

МУҚАДДАС КИТОБ



МУҚАДДАС КИТОБ

Тошкент
2020

Муқаддас Китоб

Луғатдаги расмлар
© ЎБЖ, 2006; Horace Knowles © The British & Foreign Bible Society 1954, 1967, 1972.

Расмлар ва лойиҳалар
Муқаддас чодир; Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад
© ЎБЖ, 2006.

Ҳизқиёл ваҳийда кўрган Маъбаднинг лойиҳаси
© UBS, 1999.

Шоҳ Ҳирод қурдирган Маъбад лойиҳаси (Исо Масиҳ даврида); Шоҳ Ҳирод қурдирган Маъбад (Исо Масиҳ даврида)
Horace Knowles © The British & Foreign Bible Society 1954, 1967, 1972.

Хариталар
Қадимий даврдаги Яқин Шарқ; Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин босиб ўтган йўл; Канъон ва унинг атрофидаги ерларнинг табиий харитаси; Ўн икки қабиланинг ҳудуди; Қуддус (шоҳлар даврида); Исроил шоҳлиги (Шоул, Довуд ва Сулаймон даврида); Исроил ва Яҳудо шоҳликлари; Оссурия шоҳлиги; Фаластин ва унинг атрофидаги ерлар (Исо Масиҳ даврида); Қуддус (Исо Масиҳ даврида)
© UBS, 1999.

Бобил шоҳлиги (Яҳудо халқи сургун қилинган даврда); Форс шоҳлиги; Искандар Зулқарнайн шоҳлиги
© B & H Publishing Group, 1998.

Рим империяси
© Lion Hudson PLC, 2004.

Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган биринчи сафари; Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафари; Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган учинчи сафари; Павлуснинг Римга олиб кетилиши
© UBS, 1994.

Мазкур нашр Муқаддас Китобни таржима қилиш институти томонидан Ўзбекистон Библия жамияти билан ҳамкорликда тайёрланган

ISBN 978-5-93943-213-9

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020

СЎЗ БОШИ

Мазкур Китоб икки минг йилдан ошиқ давр мобайнида муқаддас деб эътироф этилган битикларнинг ўзбек тилига қилинган биринчи тўлиқ таржимасидир. Муқаддас Китоб Эски ва Янги Аҳд битикларидан иборат[1]. Булар таркибида ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган Таврот, Забур ва Инжил китоблари ҳам бор.

1992 йили Янги Аҳд китоблари ўзбек тилида “Инжил” номи остида илк бор тўлиқ ҳолда чоп этилган эди. Ўша нашр Эски Аҳд таркибидаги Ибтидо ва Забур китобларини ҳам ўз ичига олган. Ўшандан бери Эски Аҳднинг ўн бешта китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шу жумладан, Ибтидо ва Забур китобларининг аввалги нашри жиддий таҳрир қилингандан сўнг қайтадан нашр қилинди. Илк чоп этилган Инжил китоби ҳам жиддий таҳрир қилингандан кейин мазкур нашрга киритилди.

Ушбу таржима устида мутахассислар йигирма йилдан кўпроқ меҳнат қилдилар. Ниҳоят, Муқаддас Китоб тўлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида чоп этилди. Мазкур таржиманинг тўлиқ нашрини ва илова қилинган ўқув манбаларини “www.ibt.org.ru/muqaddas-kitob” интернет саҳифасидан топишингиз мумкин. Бу электрон манбаларни компютер ва уяли телефон каби воситаларга кўчириб олиб, улардан фойдаланишингиз мумкин.

Муқаддас Китобда баён қилинган аксарият воқеалар ғарбий Осиёда бўлиб ўтган бўлса–да, ундаги бебаҳо ҳикматлар дунё бўйлаб ёйилиб, кўплаб халқлар маданиятини янада бойитди. Инсоният тарихида Муқаддас Китобдан кўра кўп таржима қилинган китоб йўқ. Муқаддас Китоб жаҳон маданиятининг классик мероси ҳисобланади. Мазкур нашр амалга оширилаётган пайтда Муқаддас Китоб тўлиқ ҳолда дунёдаги 550 тилга таржима қилингани маълум эди. Бундан ташқари, Муқаддас Китобнинг айрим парчалари тахминан 2300 тилга таржима қилинган.

Бутун жаҳонда юксак маданий мерос сифатида қадрланадиган мазкур Китоб Худонинг инсоният билан бўлган муносабати тарихи ҳақида сўз юритади. Шу боис Китоб асрлар давомида одамларга Яратувчи билан ҳамда бир–бирлари билан ярашиш йўлини кўрсатиб келмоқда.

Таржимонлар гуруҳи мазкур Китобга жиддий илмий иш сифатида ёндашганлар. Улар Китоб таржимаси юзасидан чуқур тадқиқотлар олиб бориб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ниҳоятда диққат–эътибор билан бажарганлар. Буни нафақат матннинг ўзидан, балки китобхоннинг билимини ошириш учун китобга илова қилинган қўшимча маълумотлардан ҳам кўришингиз мумкин. Шу билан бирга, таржима услубига ҳам катта эътибор берилган, матн замонавий китобхонларимизга тушунарли бўлиши учун табиий ва содда тилда таржима қилинган.

Бу катта ишни амалга ошириш учун йиллар давомида кўплаб одамлар ўз вақтларини аямай, тинимсиз меҳнат қилдилар. Нафақат таржимонлар, балки муҳаррирлар, бир қанча китобхонлар ўзбекча матннинг сифатли бўлиши учун ёрдам бердилар. Нашриёт ходимлари уларнинг ҳаммасига ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Биз Яратганга шукроналар айтамиз ва миннатдорчилигимизни билдирамиз. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Худо ҳар бир одамни Ўзига чорлайди,

---

[1] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун МУҚАДДАС КИТОБГА КИРИШ бўлимига қаранг.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Хушхабарнинг мағзи ҳам асосан ана шундан иборат. Исо Масиҳ ер юзига келиб, хочдаги ўлими ва ўликдан тирилиши орқали бизга Худо билан ярашиш имконини берди. Худонинг мангу севгиси Исо орқали осмондан заминга тушиб келди. Исо Худонинг феъл–атворини инсоний маданият ва тил орқали бизга намоён қилди. Шунинг учун биз Худонинг қандай феъл–атворга эга эканини била оламиз. Умид қиламизки, Муқаддас Китобнинг мазкур таржимаси кўплаб китобхонларимизни Хушхабар орқали Худо билан яраштиради. Танҳо Худога ҳамду санолар бўлсин!

Нашриёт ходимлари

КИТОБХОНЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

Китобхонларимиз Муқаддас Китоб матнини тўлиқроқ тушунишлари ва ундан мукаммал фойдалана олишлари учун мазкур нашрга қуйидаги қўшимча маълумотлар илова қилинган.

“Кириш” қисмлари

Муқаддас Китоб таркибидаги ҳар бир китобга “Кириш” берилган. “Кириш”ларда китобнинг тузилиши ва асосий мавзуси баён қилинган. Шунингдек, китоб муаллифи ҳақида, муаллиф китобни ким учун ва қачон ёзгани, китоб ёзилган пайтдаги вазият ҳақида маълумотлар берилган.

Сарлавҳалар

Китобхон матнни яхши тушуниши учун, Муқаддас Китобнинг кўплаб замонавий таржималарида сарлавҳалар берилган. Шу анъанага кўра, ўзбекча таржимада ҳам сарлавҳалар қўлланилган. Сарлавҳа муайян бир парчанинг асосий мавзусини ифодалайди. Сарлавҳалар қора ҳарфлар билан, сарлавҳачалар курсив шаклида ёзилган. Асл матнда сарлавҳалар йўқ. Забур китобининг аксарият санолари бошида курсив шаклида қўшимча маълумот берилган. Забурдаги бу каби маълумотлар асл матн таркибида бор (мисол учун, Забур 10 ва 33–саноларга қаранг).

Изоҳлар

Изоҳлар матнда юлдузча (*) билан белгиланган бўлиб, юлдузча изоҳланадиган сўз ёки иборадан кейин қўйилган. Ҳамма изоҳлар Муқаддас Китоб охирида илова қилинган “Изоҳлар” бўлимида берилган. Ҳар бир китобнинг изоҳлари алоҳида берилган бўлиб, изоҳлар билан таъминланаётган китоб номи остида келган. Изоҳларда қадимги Яқин Шарқ ва унга қўшни давлатларнинг тарихига, маданиятига, географик жойлашувига, саналарга ва вақт тизимига оид маълумотлар киритилган, Муқаддас Китобнинг муайян матни мазмунига мос келадиган айрим оятлар манзили[2] берилган. Шунингдек, қадимги ўлчов бирликларининг замонавий эквивалентлари ҳам изоҳланган. Изоҳларда айрим оятларнинг таржимадаги муаммолари тушунтирилган бўлиб, баъзан оятдаги сўз ёки жумланинг бошқа варианти келтирилган. Айрим ҳолларда изоҳ қисқа берилган бўлиб, китобхонни луғатдан маълумот олишга ундайди.

Изоҳлар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун “Изоҳлар” бўлимининг

[2] Яъни Муқаддас Китоб таркибидаги китобнинг номи, боби ва ояти (мисол учун, Юҳанно 3:16). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун мазкур бўлимнинг БОБ ВА ОЯТЛАР РАҚАМЛАРИ қисмига қаранг.

бошида берилган “Изоҳларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш тартиби” қисмига қаранг.

Луғат

Луғатни тузишдан мақсад Муқаддас Китобда бир неча бор такрорланиб келадиган муҳим ёки нотаниш сўзлар ва ибораларнинг маъносини китобхонга тушунтириб беришдир. Луғат таркибидаги баъзи сўзлар ва иборалар китобхонларимизга таниш бўлиши мумкин (мисол учун, АҲД, МАСИҲ, АБАДИЙ ҲАЁТ), бироқ луғатда бу каби сўз ва ибораларнинг Муқаддас Китобдаги ўзига хос жиҳатлари кенгроқ очиб берилган. Шунингдек, луғатда эски ўзбек тилига оид архаик сўзлар (мисол учун, КАНЪОН, БАНДАРГОҲ) ҳам изоҳланган. Айрим сўзлар ва иборалар қадимги Яқин Шарқ маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзбек тили тарихида ишлатилмагани сабабли, асл матндан транслитерация усулида ўзбекча таржимага кўчирилган (мисол учун, ФАРЗИЙ, ФИСИҲ БАЙРАМИ). Айрим ҳолларда маълум бир сўз ёки иборанинг маъноси изоҳда қисқа берилган, луғатда эса батафсил тушунтирилган.

Кўпинча луғатда бирон сўз ёки иборанинг маъноси билан бир қаторда, ўша даврга хос тарихий ва маданий жараёнга оид маълумотлар ҳам берилган. Бу сўзлар ва ибораларга берилган шарҳлардан кейин келадиган изоҳларда Муқаддас Китобдаги оятларнинг манзили кўрсатилган. Бу оятлар китобхонга Муқаддас Китобда баён этилган таълимотларни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Китобхон айрим буюмларнинг тузилиши ва шаклини кўз олдига келтириб, тасаввур қила олиши учун, луғатда ўша буюмларнинг расмлари келтирилган.

Расмлар ва лойиҳалар

Исроил халқи Мусо давридан бошлаб бир неча аср давомида Худога Муқаддас чодирда сажда қилиб келган. Шоҳ Сулаймон тахтга ўтиргандан кейин эса улар Худога Қуддусдаги Маъбадда сажда қиладиган бўлдилар[3]. Бу табаррук иншоотлар асрлар давомида қандай кўринишларда бўлганини китобхонларимиз тасаввур қила олишлари учун, мазкур нашрга ўша иншоотларнинг расмлари ва лойиҳалари илова қилинган. Бу расмлар ва лойиҳалар Муқаддас Китобни чуқур тадқиқ этган олимларнинг илмий хулосаларига асосланган.

Эски Аҳд ва Янги Аҳд хронологияси жадваллари

Эски Аҳд ва Янги Аҳд хронологияси жадвалларида Муқаддас Китоб тарихида юз берган муҳим воқеалар ва уларнинг саналари ҳақида маълумот берилган. Жадвалларда шоҳлар, пайғамбарлар ва муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа шахслар яшаган даврлар келтирилган. Шунингдек, Янги Аҳд жадвалида китоблар тахминан қачон ёзилгани ҳақида маълумот берилган. Қадимги давр тарихидаги айрим воқеаларнинг юз берган аниқ вақтини белгилаб олиш ниҳоятда мураккабдир. Олимлар бу борада бир тўхтамга кела олмаганлари боис, жадвалда ўша воқеаларнинг тахминий саналари кўрсатилган.

Эски Аҳддаги ва Янги Аҳддаги ўхшаш парчалар жадваллари

Айрим ҳолларда бир китобдаги[4] баъзи оятларнинг мазмуни айнан битта

---

[3] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига ва МАЪБАД сўзига қаранг.

[4] Яъни Муқаддас Китоб таркибидаги бир китоб. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун мазкур бўлимнинг БОБ ВА ОЯТЛАР РАҚАМЛАРИ қисмига қаранг.

китобнинг ўзида ёки бошқа китобда такрорланади. Бундай такрорлар, асосан, 2-4 Шоҳлар китобларида, 1-2 Солномалар китобларида ва тўртта Хушхабарда учрайди. Китобхонларимизга ўхшаш парчаларни топишга ёрдам бериш мақсадида, Эски Аҳд ва Янги Аҳд китоблари учун махсус жадваллар ишлаб чиқилди. Бу жадвалларда ўхшаш парчаларнинг асосий мавзуси ифодаланган ва ўша парчаларнинг Муқаддас Китобдаги манзили келтирилган. Жадвалларни тузишдан яна бир мақсад китобхонга 2-4 Шоҳлар, 1-2 Солномалар китоблари ва тўртта Хушхабарларни яхшироқ қиёслаш имконини беришдир. Шунинг учун баъзи воқеалар мана шу китобларнинг фақатгина биттасида ёритилган бўлса–да, ўша воқеанинг манзили жадвалга киритилган.

Хариталар

Мазкур нашрда чоп этилган ўн саккизта харита икки минг йиллик тарихий даврни — Иброҳим пайғамбар давридан тортиб то милодий биринчи асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Хариталарда кўрсатилган жой номлари Муқаддас Китобдаги муҳим воқеалар ёки ўша воқеаларга бевосита таъсир кўрсатган тарихий ўзгаришлар билан боғлиқ.

ТАРЖИМА УЧУН АСОС БЎЛГАН МАТНЛАР

Муқаддас Китоб аслида иброний, орамий ва юнон тилларида ёзилган ва ўзбек тилига ўша тиллардан таржима қилинган. Муқаддас Китобнинг кўплаб қўлёзмалари, шунингдек, қадимда бошқа тилларга қилинган таржималар қўлёзмалари бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Олимлар Муқаддас Китобнинг асл матнидаги баъзи сўзларнинг маъносини тўлиқ аниқлаш учун бу қўлёзмаларни бир–бирига қиёслаб ўрганадилар. Бундай илмий тадқиқотлар натижасида шу нарса ўз исботини топдики, Муқаддас Китобнинг асл матни асрлар давомида садоқат билан асраб келинган. Шунинг учун биз қатъий ишонч билан айта оламизки, мазкур таржима учун асос бўлган матн қўлёзмаларнинг асл матнидан деярли фарқ қилмайди.

Бу қўлёзмалар дунёнинг турли музей ва кутубхоналарида сақланиб келмоқда. Энг қадимги қўлёзмалардан бири Ишаё пайғамбар китоби бўлиб, тахминан милоддан олдинги 100 йилда кўчирилган. Бу битикдан ва диққатга сазовор яна тўртта қўлёзмадан олинган парчаларнинг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. Ушбу қадимий қўлёзмалар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИБРОНИЙЧА МАТН ва ЮНОНЧА МАТН ибораларига қаранг.

ТАРЖИМА ЖАРАЁНИ, УНГА ЁНДАШИШ ВА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛ

Таржима жараёнида биринчи қадам таржимонлар асл матннинг маъносини имкон қадар тўлиқ ва батафсил тушуниб олишларидан иборат. Муқаддас Китоб ниҳоятда қадимги матн бўлгани сабабли, бу вазифани бажариш осон кечмайди. Бироқ икки минг йилдан ошиқ давр мобайнида олимларнинг тадқиқотлари натижасида йиғилган маълумотлар ёрдамида буни амалга оширса бўлади. Таржимонларимиз иш жараёнида Муқаддас Китобга ёзилган турли шарҳлардан ва бошқа тилларга қилинган таржималардан фойдаланганлар. Бунда уларга иброний, орамий ва юнон тиллари мутахассислари ёрдам берганлар. Таржимонларимиз Муқаддас Китобдаги воқеалар юз берган жойларни зиёрат қилиб келганлар. Улар Муқаддас Китобнинг асл матни мазмунини қадимда одамлар қандай тушунганларини тўлиқ англаш мақсадида ўша ерларнинг

тарихини, маданиятини ва табиатини ўрганганлар.

Ҳолбуки, таржима яхши чиқиши учун асл матннинг маъносини тўлиқ тушунишнинг ўзи кифоя эмас. Мазкур таржиманинг мақсади асл матн ғояларини ўзбек китобхонига тўғри, табиий ва равон тарзда етказишдан иборатдир. Агар китобхон матн мазмунини яхши тушунмаса, таржима яхши қилинган, деб айтиб бўлмайди. Шу сабабдан таржимонларимиз асл матн мазмунини ўрганиш билан бир қаторда, таржима асосларини ҳамда ўзбек тили грамматикаси, синтаксиси, стилистикаси ва тилнинг ўзига хос бошқа жиҳатларини синчиклаб ўрганганлар. Уларнинг мақсади таржиманинг ўзбекча матнини кенг оммага тушунарли, содда, равон ва адабий тилда етказиш эди.

Китобхон асл матн маъносини тушуна олиши учун, таржимонлар матнни сўзма–сўз эмас, мазмунига кўра таржима қилганлар. Англашилмовчилик пайдо бўлмаслиги учун, айрим изоҳларда асл матндаги ибора ёки жумланинг сўзма–сўз таржимаси келтирилган. Кўпинча Муқаддас Китобда баён қилинган воқеаларда китоб муаллифи тингловчининг бирон муҳим ҳодиса борасидаги билимига таяниб, баъзи маълумотларни тушириб қолдирган. Масалан, асл матнда жой номи берилганда, бу ном шаҳарга ишора қиляптими ёки юртгами, аниқ ёзилмаган. Замонавий ўзбек китобхони бундай парчаларнинг маъносини тўлиқ тушуниши учун, таржимонлар матнда назарда тутилган маънони очиқ баён қилганлар ёки бундай ўринларга изоҳ берганлар. Бундай усулда таржима қилинган матн кенг оммага тушунарли тарзда етиб боради. Китобхон матнни ўзи учун ичида ўқиса ҳам, овоз чиқариб тингловчиларга ўқиб берса ҳам маъносини осонликча тушуниб олади.

Таржиманинг муваффақияти қўйилган мақсадга қай даражада эришилганига қараб баҳоланади. Ўзбек тилига қилинган мазкур таржима қўйилган мақсадга мувофиқ ҳар томонлама, бир неча босқичдан иборат бўлган батафсил текширув жараёнларидан ўтган. Таржима матни ўзбек тилининг юксак малакали мутахассислари томонидан ҳам, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан бўлган ҳар хил касб эгаларидан иборат эркак ва аёллар томонидан ҳам текширилган. Турли тоифадаги бу одамлар таржима қилинган матнни ўқиб, ўз фикрларини билдирганлар, матнни яхшилаш мақсадида қайси сўзни қай ўринда қўллаш мақсадга мувофиқлигига оид таклифлар берганлар. Мазкур текширув усуллари натижасида ўзбек тилига таржима қилинган матн бутун ўзбек халқига тушунарли содда адабий тилда юзага келган.

Маълумки, бир тилдаги ғояни бошқа тилга бир неча йўл билан, турли иборалардан фойдаланган ҳолда таржима қилиш мумкин. Шу сабабдан, асл матн турли тилларга таржима қилинганда, таржималар бир–биридан бироз фарқ қилиши табиий ҳолдир. Таржима усулидан фарқли ўлароқ, асл матннинг мазмуни ҳам айрим таржималарда бир–биридан фарқ қилади. Бу муаммони ҳисобга олган ҳолда, таржимонлар баъзан изоҳларда мазмунан бошқача таржима қилинган оятларнинг вариантини ҳам бериб ўтганлар. Матнда эса таржимонларнинг фикрича контекстга тўғри келадиган, уларнинг тушунчаси бўйича муаллиф назарда тутган маъно берилган.

ТАРЖИМАДАГИ АЙРИМ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Худонинг номларини таржима қилиш

Муқаддас Китобни таржима қилиш жараёнида учрайдиган қийинчиликлардан бири асл матндаги Худонинг номларини тўғри таржима қилишдир. Таржимонлар

ҳар бир номни мазмунан тўғри ва изчиллик билан таржима қилишга ҳаракат қилдилар. Кўпинча матнда Худонинг иккита, ҳатто учта номи бирин–кетин ишлатилган. Бундай ҳолда таржимонлар бу номларни ўзбек тилида табиий эшитиладиган номлар билан таржима қилдилар. Худонинг номлари ҳақида луғатда батафсил маълумот берилиб, уларнинг ибронийча ёки юнонча эквивалентлари ҳам кўрсатилган (луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг).

Шеърий ва апокалиптик[5] жанрлардаги матнларнинг таржимаси

Муқаддас Китоб матни турли адабий жанрлардан ташкил топган. Муқаддас Китоб таркибидаги Забур китоби тўлиғича ва ҳикмат жанридаги китобларнинг аксарият қисми шеърлардан иборат. Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларининг аксарияти ҳам шеърий усулда ёзилган.

Иброний шеъриятида мажозий тимсоллар, сўз ўйинлари, оҳангдош сўзлар, қофия ва мисралардаги бўғинлар сони бир маромда ишлатилган бўлиб, тилнинг нақадар бой эканлигидан далолат беради. Иброний шеъриятининг диққатга сазовор бир хусусияти параллелизмдир. Одатда бу усул бирор ғояни тасдиқлаш, унга урғу бериш ёки қўшимча маъно ифодалаш мақсадида ишлатилади. Параллелизм ҳосил қилишда мазмунан яқин бўлган гаплар жуфт мисраларда бирин–кетин, турли сўзлар билан такрорланади. Мисол учун,

> “Эй шоҳлар! Энди ақл билан иш қилинг.
> Эй замин ҳукмдорлари! Огоҳ бўлинг.” (Забур 2:10)

Шеърий парчалар ўзбек тилига таржима қилинганда, таржимонлар, биринчи навбатда, матн мазмунини китобхонга тўғри ва содда тилда етказишга ҳаракат қилганлар. Таржимонлар имкон қадар, иброний шеъриятининг хусусиятларини сақлашга уринганлар. Шеърлар бандларга бўлинган. Муқаддас Китобнинг асл матнидаги шеърлар ўзбек тилидаги шеърлардан усули ва тузилиши жиҳатидан фарқ қилса–да, китобхонларимиз таржима қилинган бу шеърларнинг мазмунидан ва ўзига хос гўзаллигидан завқ оладилар, деган умиддамиз.

Бир тилдаги шеърни бошқа тилга ўгириш анча мушкул. Бу айниқса мажозий маънодаги ибораларга тааллуқлидир. Ҳар бир тил ва маданиятнинг ўзига хос рамзий образлари ҳамда мажозий маънода ишлатиладиган сўз–иборалари бор. Ибронийча матндаги бундай иборалар ва образлар ўзбек тилига таржима қилингач, маъноси мавҳум бўлган ҳолларда, таржимонлар қуйидагича йўл тутганлар: мажозий образлардан чекиниб, иборанинг маъносини дарак гап билан ифодалаганлар. Айрим ҳолларда эса асл матндаги маънони ифодалайдиган ўзбек тилидаги бошқа бир мажозий иборадан фойдаланганлар. Баъзи ҳолатларда эса матнда ибронийча иборани ва образни сақлаб, маъносини изоҳда очганлар.

Муқаддас Китобнинг апокалиптик жанрдаги парчалари (мисол учун, Дониёр китобининг иккинчи қисми ва Ваҳий китоби) рамзларга ниҳоятда бой бўлиб, мажозий маънони ифодалайди. Аксарият ҳолларда, бу рамзлар ўзбекча таржимада ҳам сақланган. Баъзи рамзий образларга изоҳлар берилган бўлиб, маъноси очилган, бироқ кўп ҳолларда изоҳлар берилмаган. Чунки апокалиптик адабиётдаги рамзлар маъноси хусусида олимларнинг қарашлари турличадир. Муқаддас Китобдаги бундай парчаларнинг маъносини янада тўлиқ тушунмоқчи бўлган китобхонларимиз Муқаддас Китоб бўйича тузилган шарҳларга, яъни

[5] яъни охирзамонга оид башоратлар ва ваҳийлар

комментарийларга мурожаат қилишлари лозим.

Маданий тушунчаларга хос терминларни таржима қилиш

Юқорида айтиб ўтилгандай, мазкур таржиманинг мақсади Муқаддас Китоб матнини ўзбек китобхонига содда ва равон тилда етказишдан иборатдир. Маданий тушунчаларга хос терминлар таржимасида ҳам таржимонларимиз айнан шундай мақсадни кўзладилар. Улар қадимги матн таржимасида замонавий сўзларни ишлатмаган ҳолда, бу каби терминларни тушунарли йўл билан етказишга ҳаракат қилдилар. Шу сабабдан асл матнда қўлланган оғирлик, ҳажм ва узунлик каби ўлчов терминлари, шунингдек, пул бирликлари ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлган терминлар билан таржима қилинди. Асл матндаги ибронийча ва юнонча терминлар изоҳларда замонавий ўлчовни ифодалайдиган сўзлар билан тушунтирилди. Бироқ иброний календаридаги ойларга келганда, асл матндаги номлар сақлаб қолинди. Ойларнинг қадимги номларига изоҳлар берилган бўлиб, ҳозирги календарь бўйича қайси ойга тўғри келиши тушунтирилди.

Ҳар хил асбоб–ускуналарни, масалан, мусиқа асбобларини, деҳқончиликда фойдаланиладиган иш қуролларини ва ҳоказоларни таржима қилишда уларнинг ўзбек тилидаги эквиваленти ишлатилган. Аммо Муқаддас Китоб олимлари бу қадимги асбобларнинг айримлари аниқ қандай кўринишда бўлгани ёки қай тарзда ишлатилгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Шу боис таржимада контекстга мос равишда, ўзбек китобхонига таниш бўлган терминлар танланган бўлиб, изоҳларда қўшимча маълумот берилди. Луғатда баъзи буюмлар ҳақида батафсил маълумот берилган бўлиб, уларнинг расмлари келтирилган.

Жой номлари

Кўпинча Муқаддас Китобнинг асл матнида жой номлари берилганда, ўша жойлар шаҳар, маълум бир ҳудуд ёки юрт эканлиги ҳақидаги маълумотлар очиқ ёзилмаган. Мазкур таржима ўзбек китобхонига тушунарли бўлиши учун, таржимонларимиз кўп ўринларда бу каби жойлар ҳақидаги маълумотларни очиб бердилар. Кўпинча бундай маълумот муайян бир ном бирорта парчада илк бор учраганда берилди. Мисол учун, асл матнда: “Ҳудуднинг чегараси Кавул, Абдўн, Рехоб, Хаммон, Канахдан ўтиб, Буюк Сидонгача етади” деб ёзилган бўлса, ўзбекча таржимада бу маълумот қуйидагича берилган: “Ҳудуднинг чегараси Кавул, Абдўн, Рехоб, Хаммон, Канах шаҳарларидан ўтиб, Буюк Сидон шаҳригача етади” (Ёшуа 19:27-28).

Янги Аҳдда Эски Аҳддан келтирилган иқтибослар[6]

Маълумки, Янги Аҳд муаллифлари Эски Аҳддан иқтибослар келтирганлар. Мазкур таржимада иқтибосларга изоҳлар берилиб, иқтибос Эски Аҳднинг қайси китобидаги оятлардан олингани кўрсатилди. Янги Аҳдда келтирилган баъзи иқтибослар Эски Аҳддаги парчадан бироз фарқ қилади. Бунинг бир нечта сабаби бўлиши мумкин. Биринчидан, Янги Аҳддаги парча ўзбек тилига Эски Аҳднинг ибронийча матнидан эмас, балки Янги Аҳднинг юнонча матнидан таржима қилингани сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолда оятлардаги фарқ иброний ва юнон тилларининг хусусиятлари ва таржима услубига боғлиқ, деб қаралади. Иккинчидан, Янги Аҳд муаллифлари иқтибосни Эски Аҳднинг ибронийча

[6] Муаллиф ёки сўзловчи бошқа бир матндан келтирган парча, гап ёки ибора.

матнидан эмас, балки юнон тилидаги қадимий таржимасидан[7] келтиргани сабаб бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда юнонча таржима мазмун жиҳатдан ибронийча матндан бироз фарқ қилади. Ва ниҳоят, Янги Аҳд муаллифлари Эски Аҳддан иқтибосни сўзма–сўз келтирмай, керакли қисмларини олиб, матн маъносига мос равишда ишлатган бўлишлари ҳам мумкин.

БОБ ВА ОЯТЛАР РАҚАМЛАРИ

Муқаддас Китоб жами 66 та муқаддас битикдан иборат бўлиб, бу битиклар "китоблар" деб юритилади. Муқаддас Китоб таркибидаги барча китоблар боблар ва оятларга бўлинган. Асл матнда боблар ва оятлар бўлмаган, булар кейинчалик котиблар томонидан китобхон тушуниши учун, ёрдам тариқасида қўшилган. Бешта қисқа китоб: Ободиё, Филимўн, 2 Юҳанно, 3 Юҳанно ва Яҳудо китоблари бобларга бўлинмасдан, фақат оятларга бўлинган.

"Изоҳлар" ва "Луғат" қисмларида Муқаддас Китобнинг кўплаб оятлари манзиллари берилган. Оят манзили қуйидагича белгиланган: китоб номи, боб рақами, икки нуқта (:) ва оят рақами. Масалан, "Юҳанно 3:16" Ҳаворий Юҳанно баён этган муқаддас Хушхабарнинг учинчи боби ўн олтинчи оятига ишора қилади. Боб ҳақида сўз кетганда эса фақат китоб номи, боб рақами ва "–боб" сўзи ёзилди (масалан, Ҳакамлар 18–боб). Муқаддас Китоб таркибидаги бобларга бўлинмаган бешта қисқа китобнинг фақат оят рақамлари берилди, холос. Масалан, "2 Юҳанно 6" Ҳаворий Юҳаннонинг иккинчи мактуби олтинчи оятига ишора қилади. Агар иккита оят рақами ўртасига чизиқча қўйилган бўлса (масалан, 2:4-8), демак, ҳар икки оят орасидаги барча оятлар назарда тутилган бўлади.

Айрим ўринларда матн ўзбек тилида равон ўқилишини, тушунарли бўлишини ва воқеалар изчиллигини таъминлаш мақсадида бир нечта оят, асосан икки ёки учта оят бирлаштирилган. Бунинг натижасида оятлар тартиби ўзгарган, яъни кейинда турган оят бир–икки оятдан олдинга ўтказилган. Мисол учун, Ибтидо 2:2-3 га ва Ҳизқиёл 1:1-3 га қаранг.

Муқаддас Китоб матнини рақамлашнинг бир нечта анъанаси мавжуд. Шу боис Муқаддас Китобдаги бобларнинг ва оятларнинг рақамланиши ҳамма таржималарда ҳам бир–бирига айнан мос тушавермайди. Буни айниқса Забур китобида яққол кўришимиз мумкин. Мисол учун, ўзбек ва рус тилларидаги 39 оятдан иборат 9–сано инглизча таржимада 9-10–саноларни ташкил қилади. Ўзбекча таржимада мазкур минтақада қўлланиладиган усулдан фойдаланилди.

БОШ ҲАРФЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР

Ўзбекча таржимада бирон одамнинг қайси юрт, шаҳар ёки қишлоқдан эканини билдирувчи "лик" қўшимчаси ишлатилган барча отлар бош ҳарф билан ёзилди (масалан, Канъонлик, Мўаблик). Ўзбек тилининг грамматик қоидаларига кўра, бу сўзлар ўзбек тилида кичик ҳарф билан ёзилади. Аммо ўзбек китобхонига Муқаддас Китобдаги нотаниш жойларнинг номлари тўлиқ тушунарли бўлиши учун, мазкур таржимада улар бош ҳарф билан ёзилди.

Муқаддас Китобнинг бошқа тилларга қилинган таржималарида бўлгани сингари, мазкур нашрда ҳам Худони, Исо Масиҳни ва Худонинг Руҳини билдирадиган ҳамма сўзлар ва олмошлар бош ҳарф билан ёзилди. Муқаддас

[7] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИБРОНИЙЧА МАТН ибораси остида берилган ҚАДИМИЙ ТАРЖИМАЛАР иборасига қаранг.

Китобда қўлланган муайян махсус терминлар ва сўзлар ҳам бош ҳарф билан ёзилди (масалан, Муқаддас чодир, Маъбад, Аҳд сандиғи, Худонинг Шоҳлиги, Хушхабар).

ИСМЛАР ВА ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЁЗИЛИШИ

Мазкур таржимадаги исмлар ва жой номлари асл матндан олинган бўлиб, ўзбек тилида талаффуз қилиниши осонроқ бўлиши учун бироз соддалаштирилган. Ўзбек китобхонига бошқа тарихий ва адабий манбалардан маълум бўлган исмлар ва жой номлари бундан мустаснодир (масалан, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Довуд, Сулаймон, Исо Масиҳ, Миср, Қуддус ва бошқалар). Айрим ибронийча ва юнонча исмларнинг ҳамда жой номларининг талаффузи ўзбекчадаги ёки русчадаги сўзларга оҳангдош бўлгани боис, китобхон нотўғри тасаввурга бормасин деб, уларнинг шакли бироз ўзгартирилди. Мисол учун, ибронийча матндаги Ором юрти ўзбек тилига Орам юрти деб таржима қилинди, Эзра китобидаги Мордахай деган исм эса ўзбекчада Мардохай деб ёзилди, чунки бу исмнинг биринчи қисми рус тилида “морда”, яъни “хунук юз” деган маънони англатади.

КЎЧИРМА ГАПДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИГА ОИД ТУШУНТИРИШЛАР

Мазкур таржимада диалогдаги кўчирма гаплар тире билан ажратилди. Сўзловчининг гапи абзац охирида тугайди. Сўзловчининг гапи анча узун бўлганда, айниқса, бир абзацдан ошганда, кўчирма гап қўштирноққа (“…”) олинди. Баъзан кўчирма гап бир нечта парчани, ҳатто бир нечта бобни қамрагани боис, баъзи сарлавҳалар ва боб рақамлари кўчирма гап таркибига кириб қолган. Бундай ҳолларда, кўчирма гап қанчалар узун бўлмасин, қўштирноқ кўчирма гапнинг бошида очилиб, охирида ёпилди (мисол учун, Аюб 23:1-24:25 га қаранг).

Муқаддас Китобнинг айрим парчалари ниҳоятда мураккаб бўлиб, кўчирма гапнинг ичида кўчирма гап келган ҳолатлар бор. Бундай ҳолат, айниқса, пайғамбарлар битикларида кўп учрайди. Бундай парчаларни замонавий пунктуация қоидалари билан белгилаш қийинчилик келтириб чиқариши табиий. Шу боис, мазкур таржимада қуйидаги қоидалар қўлланилди:

Кўчирма гап “…” билан ажратилди.
Кўчирма гап ичидаги кўчирма гап «…» билан ажратилди.
Кўчирма гап ичидаги кўчирма гап таркибида яна кўчирма гап келганда ‘…’ билан ажратилди.

Баъзан сўзловчининг гапи бир абзацдан узун бўлмаса, кўчирма гап ичидаги кўчирма гап тире (—) билан ажратилди. Бундай ҳолда сўзловчининг гапи абзац охирида тугайди.

МУҚАДДАС КИТОБГА КИРИШ

Муқаддас Китоб жами 66 та муқаддас битикдан иборат бўлиб, бу битиклар “китоблар” деб юритилади. Шу сабабдан мазкур Муқаддас Китоб кўп тилларда “Библия” деб номланади. Бу ном юнонча бўлиб, “ўрама қоғозлар”, яъни “китоблар” маъносини ифодалайди. Ушбу 66 та китоб тахминан 1500 йил мобайнида 40 нафар муаллиф томонидан ёзилган. Мазкур китоблар турли адабий жанрлардан, чунончи, тарихий воқеа, насабнома, шеър, ҳамду сано, марсия, башорат, танбеҳу насиҳат, ҳикматлар ва мактублардан иборат.

КИТОБЛАРНИНГ НОМЛАРИ

Муқаддас Китоб таркибидаги айрим китоблар ўша китобни ёзган муаллифнинг исми билан ёки унинг аксарият қисмини ёзган одамнинг номи билан аталган. Биринчисига “Хабаққуқ пайғамбарнинг китоби”, иккинчисига “Сулаймон пайғамбарнинг ҳикматлари” мисол бўла олади.

Баъзи китоблар бош қаҳрамоннинг исми билан номланган. Мисол учун, “Рут китоби” ва “Аюб пайғамбар китоби”.

Янги Аҳд таркибидаги аксарият китоблар аслида мактублар бўлиб, маълум бир кишига ёки бир гуруҳ одамларга ёзилган. Бундай ҳолларда мактуб муаллифнинг номи билан ёки мактуб йўлланган гуруҳнинг ёхуд кишининг номи билан аталади. Масалан, “Ёқубнинг мактуби”, “Павлуснинг Римликларга мактуби”, “Павлуснинг Филимўнга мактуби”.

Муқаддас Китобдаги 66 китобдан баъзилари бу қоидалардан мустасно тарзда номланган. Уларнинг номланиши сабаблари ўша китобларнинг кириш қисмларида тушунтирилган (мисол учун, Чиқиш китоби).

Баъзи китоблар бир хил номланган бўлиб, улар фақат рақамларига кўра фарқ қилади. Рақам китоб номининг қисқартирилган вариантидан олдин қўйилади. Масалан, “4 Шоҳлар” қадимги Исроилда ҳукмронлик қилган шоҳлар ҳақидаги тўртинчи китобни, “1 Юҳанно” ҳаворий Юҳанно ёзган биринчи мактубни билдиради.

КИТОБЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШ ТАРТИБИ

Муқаддас Китоб таркибидаги 66 та китоб хронологик тарзда жойлашмаган. Бу китобларни тартибга солишнинг бир нечта анъанаси мавжуд. Ўзбекча таржима мазкур минтақада қўлланилган тартибга риоя қилган.

Исо Масиҳ яшаган даврдан олдин ёзилган китоблар “Эски Аҳд” деб, У яшагандан кейин ёзилган китоблар “Янги Аҳд” деб ажратилади. Эски Аҳднинг асосий мавзуси Худонинг Исроил халқи билан бўлган муносабатидир. Бу муносабат Худонинг Мусо орқали Исроил халқи билан тузган аҳдига асосланган. Янги Аҳднинг асосий мавзуси Исо Ўзини қурбон қилгани ва бунинг натижасида дунёни Худо билан яраштирганидир. Энди ҳар бир инсон, миллатидан қатъий назар, Исо Масиҳга ишонса ва гуноҳларидан тавба қилса, унинг гуноҳлари кечирилади, бу инсон Худонинг халқига тегишли бўлади. Худо Ўз халқи билан Исо Масиҳ орқали улуғроқ ва аълороқ ваъдаларга асосланган янги аҳд тузди. Шу сабабга кўра, Муқаддас Китоб икки қисмга бўлиниб, “Эски Аҳд” ва “Янги Аҳд” деб аталади.

ЭСКИ АҲД КИТОБЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

Эски Аҳд 39 та китобдан иборат бўлиб, бу китоблар милоддан олдинги ўн

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

бешинчи ва бешинчи асрлар оралиғида ёзилган. Бу китобларнинг қарийб ҳаммаси қадимги иброний тилида ёзилган. Фақатгина Эзра ва Дониёр китобларидаги айрим парчалар орамий тилида ёзилган, холос.

Таврот

Эски Аҳднинг дастлабки бешта китоби (Ибтидо китобидан Қонунлар китобигача) Мусо пайғамбар томонидан ёзилган. Бу мажмуа ўзбек тилида "Таврот" деб аталади. Ибтидо китоби Худо оламни ва илк одамларни — Одам Ато билан Момо Ҳавони яратгани ҳақидаги воқеалар билан бошланади. Сўнг инсоният гуноҳ қилгани ва Нуҳ пайғамбар даврида Худо бутун ер юзига тўфон юбориб, одамзодга жазо бергани ҳақида баён қилинади. Китоб давомида ҳикоя қилинишича, Худо Иброҳим пайғамбарни даъват қилади, уни Канъон юртига бошлаб боради. Иброҳим бефарзанд бўлишига қарамай, Худо уни буюк халқнинг отаси қилишга ваъда бериб, бутун ер юзидаги халқлар у орқали барака топишини айтади. Худо Ўз ваъдасини бажаргани Иброҳимнинг ўғли Исҳоқ, набираси Ёқуб ва чевараси Юсуф ҳақидаги ҳикоялардан кўришимиз мумкин. Худо Юсуф орқали Ёқубни ва унинг хонадонини Канъон юртидаги қаҳатчиликдан асраб, Мисрга олиб боради. У ерда Иброҳимнинг авлоди ниҳоятда кўпайиб, Исроил халқи деган ном билан танилади. Исроил халқи Мисрда 400 йил қолиб кетади.

Тавротнинг иккинчи китоби "Чиқиш" деб номланган бўлиб, Ёқуб наслининг ўн икки қабиласи, яъни Исроил халқи Мисрда қуллик зулмидан азоб чекаётгани ҳақидаги ҳикоя билан бошланади. Худо Мусо пайғамбар орқали Исроил халқини мўъжизалар орқали озод қилиб, Мисрдан олиб чиқади. Бу воқеа тахминан милоддан олдинги 1440 йилда юз берган эди. Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин саҳрода қирқ йил давомида бошидан кечирган воқеалар Тавротнинг қолган учта китобида — "Левилар", "Саҳрода" ва "Қонунлар"да ҳикоя қилинган. Ўша даврда Худо Мусо пайғамбар орқали Исроил халқи билан аҳд тузади. Ўша аҳдда Худонинг амрлари ва қонунлари батафсил баён қилинган. Бу амрларга ва қонунларга риоя қилган инсонларга Худо: "Мен сизларни Ўзимнинг халқим қиламан, сизларнинг Худойингиз бўламан", деб алоҳида ваъда берган. Аммо бу амрларни ва қонунларни бузган одамларни Худо жазолаган. Худонинг Ўз халқи Исроил билан бўлган муносабати мана шу аҳдга асосланган боис, Эски Аҳдда баён қилинган аксарият воқеалар ва Исроил халқининг тарихи шу муносабатлар ҳақида ҳикоя қилади.

Исроил халқи тарихи

Муқаддас Китоб таркибида Таврот китобларидан кейин ўрин олган 12 та китоб (Ёшуа китобидан Эстер китобигача) Исроил халқи тарихининг тахминан 1000 йиллик даврини қамраб олади. Бу даврда Исроил халқи Канъон юртини забт этиб, ўша ерларга ўрнашади. Тахминан 350 йил давомида Исроил халқининг ўн икки қабиласини Худо томонидан тайинланган ҳакамлар бошқаради. Ҳакамлар давридан кейин Исроил халқининг ўн икки қабиласи Исроил шоҳлигини барпо қилиб, Шоулни шоҳ қилиб тахтга ўтирғизади. Довуд Исроилнинг иккинчи шоҳи бўлади. Довуд вафот этгандан кейин унинг ўғли Сулаймон тахтга чиқиб, Қуддусда Худога атаб Маъбад қуради. Сулаймоннинг ўғли Рахабом ҳукмронлиги даврида Исроил шоҳлиги иккига бўлиниб, шимолда Исроил шоҳлиги ва жанубда Яҳудо шоҳлиги пайдо бўлади. Иккала шоҳликнинг аҳолиси ва ҳукмдорлари олдига Худо Ўз пайғамбарларини юборади. Улар аҳолини, бутларга сиғинманглар, Худога юз буринглар, Унинг амрларини бажаринглар, деб ундайди.

Аммо халқ пайғамбарларнинг гапларига қулоқ солмайди. Оқибатда Худо иккала шоҳлик аҳолисини итоатсизлиги учун жазолаб, душманлар қўлига топширади. Душманлар Исроил ва Яҳудо халқларини асирликка олиб кетади. Орадан анча йиллар ўтгандан кейин, Яҳудо шоҳлигидан сургун қилинган айрим одамлар Қуддусга қайтиб келиб, Маъбадни ва шаҳар деворини қайта қурадилар. Халқнинг аксарият қисми эса сургунда яшаб қолаверади. Улардан баъзилари ўзлари сургун бўлган давлатларда юқори мартабаларни эгаллайдилар.

Донишмандлик китоблари

Навбатдаги бешта китоб (Аюб китобидан "Сулаймон пайғамбарнинг гўзал қўшиғи" китобигача) "донишмандлик китоблари" деб аталади. Аюб китоби замирида барча замонларда долзарб бўлган қуйидагича савол ётади: "Нима учун Худо солиҳ кишиларнинг бу ҳаётда азоб тортишларига йўл қўяди?" Забур китоби санолардан ташкил топган бўлиб, дастлаб бу шеърлар куйга солинган ва Худога ҳамду сано, мадҳия қўшиқлари тарзида мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилган. Ҳикматлар китоби мақол, маталлар шаклидаги ахлоқий ва диний таълимотлардан иборат. Воиз китоби инсон ҳаётининг мақсади ва моҳияти ҳақида чуқур ўйлаган донишманд Воизнинг фикрларидан иборат. "Сулаймон пайғамбарнинг гўзал қўшиғи" китоби севги ҳақидаги шеърлар тўпламидир.

Пайғамбарлар

Эски Аҳднинг сўнгги 17 та китоби (Ишаё китобидан Малаки китобигача) асосан пайғамбарларнинг хабарлари ва башоратларидан ташкил топган. Бу пайғамбарлар милоддан олдинги 850-400 йиллар оралиғида фаолият кўрсатганлар. Бу даврларда Исроил ва Яҳудо шоҳликлари алоҳида–алоҳида мустақил давлат бўлган, иккала шоҳлик аҳолиси сургун қилинган ва Яҳудо халқидан баъзилари она юртига қайтиб келган эди. Пайғамбарлар халқни гуноҳлари учун тавба қилишга, бутларга сажда қилмасликка, Худога юз буришга, Унинг амрларини бажаришга, солиҳ ҳаёт кечиришга ундаганлар. Пайғамбарлар келажак ҳақида кўп башоратлар қилганлар. Кўпинча бу башоратларда рамзий образлардан фойдаланилган ва улар шеърий услубда ёзилган. Мазкур пайғамбарлар орасида ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган Дониёр ҳам бор.

Ишаё, Еремиё, Ҳизқиёл ва Дониёр пайғамбарларнинг битиклари "Катта пайғамбарлар" деган ном билан юритилади, чунки уларнинг битиклари бошқа пайғамбарларникига қараганда анча катта. Қолган ўн иккита пайғамбарнинг битиклари қисқа бўлгани боис, улар "Кичик пайғамбарлар" деган ном билан юритилади. Бу битиклар котиблар томонидан бир ўрама қоғозга кўчирилган.

Пайғамбарлар китоблари хронологик тарзда жойлашмаган. Қайси пайғамбар қачон фаолият кўрсатгани ҳақида маълумот олиш учун мазкур нашрга илова қилинган "Жадваллар" бўлимида берилган "Эски Аҳд хронологияси жадвали" қисмига қаранг.

ЯНГИ АҲД КИТОБЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

Янги Аҳд 27 та китобдан ташкил топган бўлиб, бу китоблар Исо Масиҳ осмонга кўтарилиб кетгандан[1] кейин, милодий биринчи асрда ёзилган. Бу китоблар тўплами ўзбек тилида "Инжил" деб ҳам юритилади. Янги Аҳдда баён қилинган барча воқеалар Рим империяси ҳудудида содир бўлган эди.

[1] тахминан милодий 30 йил

Янги Аҳд китоблари қадимий юнон тилида ёзилган. Матнда юнон ҳарфлари билан ёзилган баъзи орамийча сўзлар ва иборалар ҳам бор, чунки Яқин Шарқ минтақасида орамий тили кенг қўлланган эди. Янги Аҳддаги кўплаб диалоглар аслида орамий тилида бўлган эди.

Хушхабарлар

Янги Аҳднинг дастлабки тўртта китоби (Матто китобидан Юҳанно китобигача) Исо Масиҳнинг туғилиши, ҳаёти, таълимоти, ўлими ва тирилиши ҳақидаги воқеалардан иборат. Исо Масиҳ Ўзи келтирган хабарни "Хушхабар" деб атайди, шу боисдан ҳам дастлабки тўртта китоб "Хушхабарлар" деган ном билан юритилган. Бу Хушхабарларни Исо Масиҳни шахсан таниган одамлар ёки уларнинг гувоҳлигини бевосита эшитган бошқа муаллифлар ёзганлар. Тўртала китоб услуб жиҳатдан ва айрим маълумотларга кўра бир–биридан фарқ қилади, айниқса, Юҳанно баён этган Хушхабар бошқа Хушхабарлардан алоҳида ажралиб туради. Бу фарқлар муаллиф китобни қай мақсадда ва кимга атаб ёзганига боғлиқ. Бу китоблар яхлит ҳолда Исо Масиҳ ҳақида тўлиқроқ маълумот бериб, Унинг ҳаётини битта китобда ёзилгандан кўра кўпроқ ёритади.

Илк масиҳийлар жамоатининг тарихи

Навбатдаги китоб "Ҳаворийларнинг фаолияти" деб номланган бўлиб, унда Исо Масиҳ осмонга кўтарилиб кетгандан кейин, дастлабки йилларда шогирдларнинг олиб борган фаолияти тасвирланади. Исонинг бу шогирдлари ва илк жамоат етакчиларидан баъзилари "ҳаворий"[2] деган ном билан танилганлар. Китобда Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабар Қуддусдан бутун Рим империясига ёйилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Шу мавзу билан боғлиқ ҳолда китобнинг аксарият қисмида ҳаворий Павлуснинг сафарлари баён қилинади. Китобда баён қилинишича, Павлус Рим империясига қарашли кўп шаҳарларга бориб, яҳудий ва ғайрияҳудийларга Масиҳ ҳақида ваъз қилган ва ҳатто империя пойтахти Римга ҳам етиб бориб, у ерда кўпчиликка Хушхабар айтган. Павлус Римдаги уй қамоғида экани ҳақидаги маълумот китобга якун ясайди.

Мактублар

Ҳаворийлар китобидан кейин 21 та мактуб келади. Бу мактубларни Исо Масиҳнинг баъзи ҳаворийлари Унинг издошларига ёзиб, имонда ўсиш, солиҳ ҳаёт кечириш борасида насиҳатлар берганлар. Мазкур мактубларнинг аксарият қисми турли жойларда истиқомат қилувчи имонлилар гуруҳларига ёзилган, фақат тўртта мактуб муайян шахсларга йўлланган.

Одатда ушбу мактублар икки гуруҳга бўлинган: 1) Павлус ёзган мактублар, 2) Бошқа ҳаворийлар ёзган мактублар. Мазкур минтақада кўп ишлатиладиган бошқа таржималардаги каби, ўзбекча таржимада ҳам бошқа ҳаворийлар ёзган мактублар Павлуснинг мактубларидан олдин келган. Ибронийларга мактуб Павлуснинг мактублари қаторида жойлаштирилган, аммо бу мактубнинг муаллифи аниқ эмас ва бу ҳақда олимлар ҳанузгача мунозара қилмоқдалар.

Мактублар хронологик тартибда жойлашмаган. Янги Аҳддаги хронологик тартиб ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун мазкур нашрга илова қилинган "Жадваллар" бўлимида берилган "Янги Аҳд хронологияси жадвали" қисмига қаранг.

---

[2] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҲАВОРИЙ сўзига қаранг.

Апокалиптик[3] жанрдаги китоб

Янги Аҳд Ваҳий китоби билан якунланади. Бу китоб Янги Аҳд таркибидаги барча китоблардан кейин ёзилган, деб тахмин қилинади. Ушбу китоб мажозий образларга ниҳоятда бой бўлиб, унда Худонинг келажакда душманлар устидан ғалаба қозониши ва Худонинг абадий шоҳлиги барқарор бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади.

МУҚАДДАС КИТОБ — ЯХЛИТ БИР АСАР

Шуни тушуниб олиш муҳимки, Янги Аҳдда Худо аён қилган ҳақиқат Эски Аҳддаги ҳақиқатни бекор қилмайди. Аксинча, Эски Аҳд ҳақиқати Янги Аҳд ҳақиқати учун асос бўлиб хизмат қилади. Янги Аҳд, ўз навбатида, Эски Аҳддаги ғояларни тўлдиради. Исо Масиҳ Эски Аҳдни мукаммал билган эди, шу боис одамларга таълим берганда Эски Аҳддан кўплаб иқтибослар келтирган. Исо шундай деган: “Мени, Таврот ёки пайғамбарларнинг битикларини бекор қилгани келган, деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим” (Матто 5:17). Янги Аҳд муаллифлари ҳам ўз китобларида Эски Аҳддан кўп фойдаланиб, баъзан ундан иқтибос келтирганлар, баъзан эса ундаги гапларни ўз сўзлари билан ёзганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Муқаддас Китоб таркибидаги барча битиклар турли жанрларда, ҳар хил вазиятда ва турли даврларда яшаган муаллифлар томонидан ёзилганига қарамай, ҳаммаси биргаликда ажойиб уйғунликни намоён қилади. Худонинг кимлигию Унинг қандай иш юритиши, одамзоднинг феъл–атвори, хатти–ҳаракати ҳақидаги ғоялар, марказий мавзу бўлган Худо билан инсониятнинг ярашуви ҳақидаги хабар Муқаддас Китобда изчил ёритилган. Ярашув ҳақидаги бу хабар, асосан, ҳикоялар орқали, яъни одамлар билан Яратувчи Худо ўртасидаги муносабатга оид воқеалар орқали етказилади. Муқаддас Китоб муаллифлари воқеаларни самимий равишда, одамларнинг гуноҳларини яширмаган ҳолда рўй–рост баён қиладилар. Ҳар бир инсон ҳақидаги ҳикоя Худо ҳақидаги катта ҳикоянинг бир қисмини ташкил этади. Муқаддас Китобда баён қилинган воқеалардан шуни англашимиз мумкинки, дунё яратилгандан бери, Худо ҳар бир одамни Ўзига чорлаб келмоқда.

Асрлар давомида имонли одамлар ушбу китобларни Худо томонидан юборилган муқаддас битиклар деб билганлар. Дарҳақиқат, Муқаддас Китобда бу борада шундай ёзилган: “Муқаддас битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган” (2 Тимўтий 3:16), “Муқаддас битиклардаги башоратларнинг ҳеч бири пайғамбарларнинг шахсий талқини эмас. Ҳеч бир ҳақиқий пайғамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат қилган эмас. Бу пайғамбарлар Муқаддас Руҳ томонидан бошқарилиб, Худонинг сўзларини гапирганлар” (2 Бутрус 1:20-21). Муқаддас Китобни ўқиган инсонлар ҳақиқатни қидирганларида, қайси замонда яшашларидан қатъий назар, Муқаддас битикларнинг қудрати ва ҳокимиятидан воқиф бўлганлар. Зеро, Муқаддас Китобда шундай ёзилган: “Менинг сўзим оловдай куйдиради. Қояни ёрадиган болғадай зарба беради” (Еремиё 23:29), “Худонинг каломи жонли ва таъсирли, ҳар қандай дудама қиличдан ўткирроқдир. У жон билан руҳни, бўғинлар билан иликни ажратгудек суқилиб киради. Худонинг каломи хаёлу юракнинг ниятларини фош этади” (Ибронийлар 4:12).

[3] яъни охирзамонга оид башоратлар ва ваҳийлар

ИБТИДО
(ТАВРОТНИНГ БИРИНЧИ КИТОБИ)

Кириш

Ибтидо китоби Тавротнинг биринчи китобидир. Мазкур китобда оламнинг яратилиши, инсон зотининг пайдо бўлиши, Исроил халқининг келиб чиқиши тўғрисида сўз юритилади. Бутун борлиқни, ер юзидаги жамики халқлару шоҳликларни, инсоният тарихини ягона Худо бошқаришига китобда алоҳида урғу берилади.

Ибтидо китобининг биринчи қисмида (1-11–боблар) олам ва инсониятнинг Иброҳим пайғамбаргача бўлган даври ҳикоя қилинади. Худо ҳамма нарсани жуда ажойиб қилиб яратган эди, лекин илк яратилган икки инсон — Одам Ато билан Момо Ҳаво Худога итоат этмадилар. Уларнинг итоатсизлиги туфайли дунёга гуноҳ кириб келди. Инсонлар шу қадар гуноҳга ботиб кетдиларки, Нуҳ пайғамбардан ва унинг оиласидан ташқари, жамики инсониятни қириб ташлаш учун Худо ер юзига тўфон юборишга қарор қилди. Нуҳ ва унинг оиласи Худога итоат этарди, шунинг учун Худо Нуҳга: “Ўзингни, оилангни, ҳайвонлар ва қушларнинг ҳар бир турини сақлаб қолиш учун катта кема яса”, деб амр этди. Тўфондан кейин одамзод яна ер юзи бўйлаб ёйилди. Лекин уларнинг кўпчилиги яна Худога итоат этмай қўйди.

Ибтидо китобининг қолган қисми (12-50–боблар) Иброҳим ва унинг хонадони тарихига оид воқеаларни қамраб олади. Худо Иброҳим хонадонини, Ўзимнинг халқим қиламан, деб танлаб олади. Иброҳим ва унинг хотини Сора бефарзанд эдилар, лекин Худо уларга фарзанд ваъда қилиб, ўша фарзанд орқали жамики халқларга барака беришини айтади.

Худонинг амри билан Иброҳим ва Сора ўзларининг она юртини тарк этиб, Канъон юртига кўчиб борадилар. Худо бу юртни уларнинг наслига беришни ваъда қилган эди. Иброҳим билан Сора анча кексайиб қолганларида, Худо Ўз ваъдасини бажариб, уларга ўғил ато этади, улар ўғлининг исмини Исҳоқ қўядилар. Исҳоқ икки ўғил кўради, ўғилларига Ёқуб ва Эсов деб исм қўяди. Ёқуб ўн икки ўғил кўради. Улар Исроилнинг ўн икки қабиласига асос соладилар.

Китобнинг охирида Ёқубнинг ўғли Юсуф ҳақида ҳикоя қилинади. Юсуфнинг ака–укалари уни Исмоилий савдогарларига қул қилиб сотиб юборишади. Лекин вақти келиб, Юсуф Миср ҳокими бўлади. Шу орқали у қаҳатчилик даврида Миср халқини ва отаси Ёқубнинг бутун хонадонини қутқариб қолади. Мазкур китобнинг моҳияти шундан иборатки, Худо инсоният тақдирини бошқаради, юз бераётган ҳамма ҳодисаларни назорат қилади, ҳатто инсоннинг ёмон ниятию қабиҳ ишларини Ўзининг эзгу режасини амалга ошириш учун ишлатади. Миср юртида Юсуф ака–укаларига шундай дейди: “Сизлар менга раво кўрган ёмонликни Худо яхшиликка ишлатди. Сон–саноқсиз одамларни сақлаб қолиш учун У мени шу ерга олиб келди.” (Ибтидо 50:20)

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

1–БОБ

Дунё яратилишининг тарихи

1 Худо азалда осмон билан ерни яратди*. 2 Ер шаклсиз ва бўм–бўш бўлиб,
тубсиз денгизлар устини зулмат қоплаган эди. Худонинг Руҳи сувлар узра
юрарди*.

3 Худо: “Ёруғлик бўлсин”, деб амр берган эди, ёруғлик пайдо бўлди.
4 Худо ёруғликнинг ажойиб эканини кўриб, ёруғликни қоронғиликдан
ажратди. 5 Худо ёруғликни кундуз, қоронғиликни тун деб атади. Кеч кириб,
тонг отди*. Биринчи кун ўтди.

6 Сўнг Худо: “Сувларни бир–биридан ажратиб турадиган гумбаз пайдо
бўлсин”, деб амр қилди. 7 Шундай ҳам бўлди: Худо гумбазни яратиб,
гумбазнинг остидаги сувлардан гумбаз устидаги сувларни ажратди*. 8 Худо
гумбазга осмон деб ном берди. Кеч кириб, тонг отди. Иккинчи кун ўтди.

9 Кейин Худо: “Осмон остидаги сувлар бир жойга тўпланиб, қуруқ ер
пайдо бўлсин”, деб амр қилди. Шундай ҳам бўлди. 10 Худо қуруқликка ер
деб ном берди. Бир жойга йиғилган сувларни эса денгизлар деб атади. Худо
бунинг ажойиб эканини кўрди.
11 Сўнгра Худо шундай амр берди: “Ерда ўт–ўлан кўкарсин. Дон
берадиган ҳар хил ўсимликлар, данаги бор ҳар хил мевали дарахтлар
ўссин.” Шундай ҳам бўлди. 12 Ерда ўт–ўлан кўкарди, дон берадиган ҳар хил
ўсимликлар, данаги бор ҳар хил мевали дарахтлар ўсди. Худо буларнинг
ҳам ажойиб эканини кўрди. 13 Кеч кириб, тонг отди. Учинчи кун ўтди.

14 Кейин Худо шундай амр қилди: “Кундузни тундан ажратиш учун
осмон гумбазида ёритқичлар пайдо бўлсин. Булар кунларнинг,
йилларнинг, нишонланадиган байрамларнинг* вақтини кўрсатсин. 15 Бу
ёритқичлар осмон гумбазида нур сочиб, ерга ёруғлик берсин.” Шундай ҳам
бўлди. 16 Худо иккита катта ёритқични — қуёш ва ойни яратди: кундузи
нур сочиб туриши учун каттароқ ёритқич — қуёшни, тунда нур сочиб
туриши учун кичикроғи — ойни яратди. Шунингдек, Худо юлдузларни ҳам
яратди. 17-18 Бу ёритқичлар ерга ёруғлик берсин, кундуз ва тун устидан
ҳукмронлик қилсин, ёруғликни қоронғиликдан ажратиб турсин деб, Худо
буларни осмон гумбазига жойлаштирди. Худо бунинг ажойиб эканини
кўрди. 19 Кеч кириб, тонг отди. Тўртинчи кун ўтди.

20 Кейин Худо шундай амр берди: “Сув ҳар хил тирик жониворлар билан
тўлиб–тошсин, қушлар пайдо бўлиб, ҳавода парвоз қилсин.” 21 Шундай
қилиб, Худо баҳайбат денгиз махлуқларини ва сувда сузувчи турли–туман
жониворларни, ҳар турли қушларни яратди. Худо бунинг ҳам ажойиб
эканини кўрди. 22 Шунда Худо буларнинг ҳаммасига марҳамат қилиб деди:
“Балиқлар ва қушлар серпушт бўлиб, кўпайсин. Денгизлар балиқлар билан
тўлиб–тошсин, ер узра қушлар кўпайсин.” 23 Кеч кириб, тонг отди. Бешинчи

кун ўтди.

24 Сўнгра Худо: “Ер турли–туман жонзотларни — чорвани, судралиб
юрувчи жониворларни*, ҳар турли ёввойи ҳайвонларни пайдо қилсин”, деб
амр берди. Шундай ҳам бўлди. 25 Худо ҳар турли ёввойи ҳайвонларни,
чорванинг ҳар хил турларини, ер юзида судралиб юрувчи жониворларнинг
ва ҳашаротларнинг ҳар хил турларини яратди. Худо бунинг ажойиб
эканини кўрди.
26 Кейин Худо шундай деди: “Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз
суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган бўлсин*. Инсон зоти денгиздаги
балиқлар устидан, осмондаги қушлар, ер юзидаги чорва ҳамда жамики
ёввойи ҳайвонлар*, ерда судралиб юрувчи ҳар қандай жонивор ва
ҳашаротлар устидан ҳукмронлик қилсин.” 27 Шундай қилиб,

Худо Ўз суратидай қилиб яратди инсон зотини,
Эркагу аёл қилиб яратди уларни.

28 Худо инсонларга марҳамат қилиб, айтди: “Ували–жували бўлинглар, ер
юзини тўлдириб, итоат эттиринглар, денгиздаги балиқлар устидан,
осмондаги қушлару ер юзида яшовчи ҳар турли жониворлар устидан
ҳукмронлик қилинглар.” 29 Худо яна айтди: “Мана, сизларга бутун ер
юзидаги ҳар хил донли ўсимликларни ва мевали дарахтларни бердим.
Сизлар булардан егулик учун фойдаланасизлар. 30 Ер юзидаги жамики
тирик жонзотга — ҳамма ҳайвонларга, ҳамма қушларга емиш қилиб кўк
ўт–ўланни бердим.” Шундай ҳам бўлди. 31 Худо Ўзи яратган ҳамма нарсага
назар солди. Булар жуда ажойиб эди. Кеч кириб, тонг отди. Олтинчи кун
ўтди.

2–БОБ

1 Шундай қилиб, осмон билан ер ҳамда улардаги жамики нарсалар яратилди.
2-3 Еттинчи куни Худо барча яратиш ишларини битириб, дам олди. Худо еттинчи
куни ҳамма ишларидан дам олгани учун бу кунни муборак қилди, уни муқаддас
деб бошқа кунлардан ажратди.
4 Осмон билан ернинг* яратилиши ана шулардан иборатдир.

Адан боғи

Парвардигор Эгамиз осмон билан ерни яратган пайтда 5 ер юзида на бирон ўт,
на бирон гиёҳ унган эди. Чунки Парвардигор Эгамиз ҳали ерга ёмғир ёғдирмаган,
ерга ишлов берадиган бирон кимса яратмаган эди. 6 Лекин ер остидан сув чиқиб*,
бутун ер юзини суғорарди. 7 Шундан кейин Парвардигор Эгамиз ернинг
тупроғидан одамни* ясади ва унинг бурун тешигидан пуфлаб, жон ато этди.
Шундай қилиб, одам тирик жон бўлди. 8 Парвардигор Эгамиз шарқда — Адан
деган жойда боғ барпо қилиб, Ўзи яратган одамни ўша боққа қўйди. 9 Кейин
Парвардигор Эгамиз ердан чиройли, лаззатли мева берадиган ҳар хил
дарахтларни ўстирди. Боғнинг ўртасида эса ҳаёт дарахтини ва яхшилик билан
ёмонликни билиш дарахтини ўстирди.

10 Адандан бир дарё оқиб келиб, боғни суғоради ва ўша ерда тўрт ирмоққа
бўлинади. 11 Биринчи ирмоқнинг номи Пишон бўлиб, бутун Хавила ери бўйлаб
оқади. Бу жойда олтин бор. 12 Ўша ернинг олтини жуда ҳам тозадир. У ерда
марварид* ва ақиқ тошлар ҳам бор. 13 Иккинчи ирмоқнинг номи Гихўн бўлиб,
бутун Куш* ери бўйлаб оқади. 14 Учинчи ирмоқнинг номи Дажла бўлиб, Оссурия
шаҳрининг шарқидан оқиб ўтади. Тўртинчи ирмоқнинг номи Фуротдир.
15 Шундай қилиб, Парвардигор Эгамиз, бу одам боққа ишлов берсин, парвариш
қилсин деб, уни Адан боғига жойлаштирди. 16 Парвардигор Эгамиз унга шундай
амр қилди: “Сен боғдаги ҳамма дарахтнинг мевасидан бемалол еявер. 17 Лекин
яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтининг мевасидан емайсан, ундан ейишинг
биланоқ, шубҳасиз, ўласан.”
18 Сўнгра Парвардигор Эгамиз: “Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, унга
муносиб шерик яратаман”, деди. 19 Шундай қилиб, У тупроқдан ҳар хил
ҳайвонларни ва ҳар хил қушларни яратди. “Бу жониворларни одам кўриб қанақа
ном бераркин”, дея уларни одамнинг олдига олиб келди. Одам ҳар бир жонивор
учун ном танлади. 20 Одам ҳамма чорвага, қушларга ва ёввойи ҳайвонларга ном
берди. Лекин ҳамон одамга муносиб шерик йўқ эди. 21 Шу боисдан Парвардигор
Эгамиз уни қаттиқ ухлатиб қўйди. Одам ухлаб ётганда, Худо унинг қовурғасидан
биттасини олиб, ўрнини беркитиб қўйди. 22 Парвардигор Эгамиз одамнинг
қовурғасидан хотин кишини яратди ва уни одамнинг олдига олиб келди. 23 Шунда
одам айтди:

> “Ниҳоят, бу менинг суякларимдан пайдо бўлган суякдир,
> Менинг этимдан яралган этдир.
> У Хотин деб аталгай,
> Чунки у эркакдан* яратилгандир.”

24 Шунинг учун эркак киши ота–онасидан бўлак бўлиб, хотинига боғланиб
қолади, иккаласи бир тан бўладилар.
25 Одам билан хотини қип–яланғоч юрардилар, бир–бирларидан уялиш
ҳиссини сезмасдилар.

3–БОБ

Одам Ато ва Момо Ҳаво гуноҳ қилади

1 Парвардигор Эгамиз ҳамма ёввойи ҳайвонларни ҳам яратган эди. Ўша
ҳайвонлар орасида анча айёри илон эди. Илон хотиндан:
— Ҳақиқатан ҳам Худо, боғдаги бирон та дарахтнинг мевасидан еманглар, деб
айтдими? — деб сўради.
2 Хотин илонга:
— Йўғ–э, биз боғдаги ҳамма дарахтларнинг мевасидан ейишимиз мумкин, —
деб жавоб берди. 3 — Лекин Худо, боғ ўртасидаги дарахтнинг мевасидан еманглар
ҳам, тегманглар ҳам, акс ҳолда, ўласизлар, деб айтган.
4 Илон эса хотинга:
— Йўқ, ўлмайсизлар, — деди. 5 — Чунки Худо биладики, сизлар бу мевалардан

есангиз, кўзларингиз очилиб, сизлар ҳам барча яхши ва ёмон нарсаларни биладиган бўлиб, Худога* ўхшаб қоласизлар.

6 Хотин қарасаки, ўша дарахт кўзга чиройли кўринади, мевалари жуда ейишли
экан. Хотин: “Қанийди мевалар менга донолик ато қилса”, деб орзу қилди. У
дарахтнинг мевасидан олиб еди, кейин ёнида турган эрига ҳам берди. Эри ҳам
еди. 7 Ўша заҳоти икковининг ҳам кўзлари очилиб, улар яланғоч эканликларини
англадилар, анжир баргларини сонлари атрофига тизиб, ўзларига ёпинчиқ
ясадилар.

8 Оқшом пайти шабада эсиб турганда, одам ва хотини боғда Парвардигор
Эгамизнинг юрганини билдилар. Улар Парвардигор Эгамизнинг назаридан қочиб,
боғдаги дарахтлар орасига яшириндилар. 9 Парвардигор Эгамиз:

— Қаердасан? — деб одамни чақирди. 10 Одам:

— Мен боғда юрганингни билдим–у, яланғоч бўлганим учун қўрқиб,
яшириндим, — деди.

11 — Яланғоч эканингни сенга ким айтди? — деб сўради Худо. — Ёки Мен,
еманглар, деб амр этган дарахтнинг мевасидан едингми?

12 Одам жавоб берди:

— Ўзинг менга берган хотин ўша дарахтнинг мевасидан менга берди, мен ҳам
едим.

13 Шунда Парвардигор Эгамиз хотинга:

— Бу нима қилганинг? — деди.

— Илон мени алдади, мен мевадан едим, — деди хотин.

Худо ҳукм қилади

14 Парвардигор Эгамиз илонга шундай деди:

“Шу қилмишларинг учун
Лаънати бўлгайсан барча жонзотлар орасида
Ва жамики ёввойи ҳайвонлар орасида.
Қорнинг билан судралиб юргайсан,
Умринг бўйи тупроқ егайсан.
15 Душманлик пайдо қиламан сен билан хотин ўртасида,
Сенинг зотинг билан унинг зоти орасида.
Унинг зоти эзиб ташлайди сенинг бошингни,
Сен чақиб оласан унинг товонини.”

16 Хотинга эса шундай деди:

“Ҳомиладорлигингда ғоят азоб бераман,
Машаққат ила бола туғасан.
Аммо эрингни қўмсайверасан,
Эринг эса ҳоким бўлади сенинг устингдан.”

17 Парвардигор Эгамиз одамга шундай деди:

“Хотинингнинг гапига кирганинг учун,
Мен, ема, деб тақиқлаган мевани еганинг учун

Сен туфайли ерни лаънати қилдим.
Бутун умринг бўйи тимдалаб ерни,
Ердан ўтказасан тирикчилигингни.
18 Ернинг ҳосили емишинг бўлса ҳам,
Ер сен учун тиканлару қушқўнмас* ўстиради.
19 Сен тупроқдан яралгансан,
То тупроққа қайтгунингга қадар,
Пешана теринг билан нон ейсан.
Зеро, сен тупроқдирсан
Ва тупроққа қайтасан.”

20 Хотин жамики инсонларнинг онаси бўлгани учун, Одам Ато* унга Момо Ҳаво* деб исм берди. 21 Одам Ато ва унинг хотини учун Парвардигор Эгамиз теридан кийим–кечак ясаб, уларни кийинтириб қўйди.

Одам Ато ва Момо Ҳаво Адан боғидан қувиладилар

22 Кейин Парвардигор Эгамиз шундай деди: “Мана, инсон ҳамма нарсани — яхшилик ва ёмонликни билиб, Бизга ўхшаб қолди. Энди у қўлини узатиб, ҳаёт дарахти мевасидан ҳам олмасин, мевани еб, абадий яшайдиган бўлиб қолмасин.” 23 Шу сабабдан Парвардигор Эгамиз Одам Атони ва Момо Ҳавони Адан боғидан чиқариб юборди. У Одам Атони ернинг тупроғидан ясаган эди, унга энди ўша ерни ишлашга берди. 24 У Одам Атони ҳайдаб юборгандан кейин, ҳаёт дарахтига борадиган йўлни қўриқлаш учун Адан боғининг шарқ томонига карубларни* ва доимо айланиб турадиган алангали қилични ўрнатди.

4–БОБ

Қобил билан Ҳобил

1 Одам Ато хотини Момо Ҳавога яқинлашгандан кейин, Момо Ҳаво ҳомиладор бўлди. Момо Ҳаво ўғил кўрди ва: “Худонинг қудрати билан ўғилли бўлдим”, деб исмини Қобил* қўйди. 2 Кейинроқ Момо Ҳаво иккинчи ўғлини туғди ва унга Ҳобил деб исм қўйди. Болалар улғайиб, Ҳобил — қўйчивон, Қобил — деҳқон бўлди. 3 Вақти келиб, Қобил ернинг ҳосилидан Эгамизга назр олиб келди. 4 Ҳобил ҳам сурувидаги биринчи туғилган қўзилардан биттасини танлаб олиб, сўйди ва қўзининг ёғли жойларини Эгамизга назр қилиб олиб келди. Эгамиз Ҳобилни ва унинг назрини манзур кўрди, 5 лекин Қобилнинг ўзи ҳам, унинг назри ҳам маъқул бўлмади. Қобил қаттиқ хафа бўлиб, қовоғини солди. 6 Шунда Эгамиз Қобилга деди: “Нега хафа бўлдинг? Нимага қовоғингни солдинг? 7 Агар сен тўғри иш қилсанг, сени қабул қилмасмидим?!* Билгинки, ёмон иш қилсанг, эшигингда гуноҳ пойлаб туради, шерга ўхшаб ташланиб, сени ўлжа қилмоқчи бўлади. Гуноҳ сенинг устингдан ҳукмрон бўлишни истайди. Лекин сен гуноҳни мағлуб қилишинг керак.”

8 Қобил укаси Ҳобилга: “Юр, далага борамиз”, деб таклиф қилди*. Улар далага борганларида, Қобил укасига ташланиб, уни ўлдирди.

9 Эгамиз Қобилдан:

— Уканг Ҳобил қаерда? — деб сўради.

— Билмайман, нима, укам қаерга борса, мен унинг қадамини ўлчаб юришим керакми?! — деб эътироз билдирди.

10 Шунда Эгамиз:

— Нима қилиб қўйдинг?! — деди. — Эшитиб ол: укангнинг қони Менга ердан
фарёд қилмоқда. 11 Укангнинг қони билан ерни булғаганинг учун энди лаънати
бўласан, ерга ҳеч қачон ишлов беролмайсан. 12 Ерга қанчалик жон куйдириб
ишлов бермагин, ер сен учун бошқа мўл ҳосил етиштирмас. Ҳозирдан бошлаб сен
ер юзида доимо бир жойдан бошқа жойга қочиб, бошпанасиз, дайдиб юрасан.

13 Қобил Эгамизга:

— Жазойим шунчалик оғирки, бир ўзим кўтара олмайман, — деб жавоб берди.
14 — Бугун Сен мени еримдан ҳайдадинг. Энди мен Сендан узоқ бўлиб яшайман,
ер юзида сарсон–саргардон бўлиб, қочиб юраман. Энди мени бирортаси учратиб
қолиб, ўлдириб қўйиши мумкин.

15 Шунда Эгамиз:

— Йўқ, ҳеч ким сени ўлдирмайди! — деб жавоб берди Қобилга. — Ким сени
ўлдирса, ундан етти карра ўч оламан.

Шундай қилиб, Эгамиз, Қобилни биров уриб ўлдириб қўймасин деб, унга тамға
қўйди. 16 Сўнгра Қобил Эгамиздан узоқлашиб кетди ва Аданнинг шарқидаги Нод*
деган ерга ўрнашди.

Қобилнинг насли

17 Қобилнинг хотини ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Ўғлига Ханўх деб исм
қўйдилар. Қобил бир шаҳар қурди ва шаҳарни ўғлининг исми билан Ханўх деб
атади. 18 Ханўх бир ўғил кўриб, исмини Ирод қўйди. Ироддан — Махувол,
Махуволдан — Матушол, Матушолдан — Ламех деган ўғиллар туғилди. 19 Ламех
икки хотин олди. Биттасининг исми Оида, бошқасиники Зилла эди. 20 Оида бир
ўғил кўриб, исмини Ёбол қўйди. Ёбол чодирларда яшайдиган чўпонларнинг
ота–бобоси бўлди. 21 Укасининг исми Ювал эди. Ювал лира ва най чалувчи
созандаларнинг ота–бобоси бўлди. 22 Зилла ҳам бир ўғил кўриб, исмини
Тувалқобил қўйди. Тувалқобил биринчи бўлиб бронза ва темир асбоблар ясаган
эди. Тувалқобилнинг Намах деган синглиси бор эди.

23 Ламех хотинларига деди:

“Оида ва Зилла, менга қулоқ солинглар.
Эй хотинларим! Гапимни эшитинглар!
Мени яралаган одамни мен ўлдирдим,
Мени урган ёш йигитни нобуд қилдим.
24 Қобилни ўлдиргандан етти карра ўч олинса,
Ламехни ўлдиргандан етмиш етти карра ўч олинар.”

Шис ва Энўш

25 Одам Ато билан хотини яна бир ўғил кўрдилар. Момо Ҳаво: “Қобил ўлдирган
Ҳобилнинг ўрнига Худо бошқа фарзанд берди”, деб исмини Шис* қўйди. 26 Шис
улғайиб, у ҳам бир ўғил кўрди ва исмини Энўш қўйди. Ўша пайтда одамлар энди
Эгамизга сажда қила бошлаган эдилар.

5–БОБ

Одам Атонинг насли

[1] Одам Атонинг насл–насаби тарихи қуйидагичадир:

Худо инсон зотини яратганда, уларни Ўзига ўхшаган қилиб яратган эди. [2] Худо инсонларни эркак ва аёл қилиб яратди. Худо уларни яратгандан кейин Инсон деб ном қўйиб, уларга барака берди.

[3] Одам Ато 130 ёшида ўғил кўрган эди*. Ўғли отасининг суратидай бўлиб, унга ўхшаган эди. Одам Ато ўғлига Шис деб исм қўйган эди. [4] Шис туғилгандан кейин, Одам Ато 800 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [5] Одам Ато 930 ёшида оламдан ўтди.

[6] Шис 105 ёшида ўғли Энўшни кўрган эди*. [7] Энўш туғилгандан кейин, Шис 807 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [8] Шис 912 ёшида оламдан ўтди.

[9] Энўш 90 ёшида ўғли Хенанни кўрди. [10] Хенан туғилгандан кейин, Энўш 815 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [11] Энўш 905 ёшида оламдан ўтди.

[12] Хенан 70 ёшида ўғли Махалиёлни кўрди. [13] Махалиёл туғилгандан кейин, Хенан 840 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [14] Хенан 910 ёшида оламдан ўтди.

[15] Махалиёл 65 ёшида ўғли Ёредни кўрди. [16] Ёред туғилгандан кейин, Махалиёл 830 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [17] Махалиёл 895 ёшида оламдан ўтди.

[18] Ёред 162 ёшида ўғли Ханўхни* кўрди. [19] Ханўх туғилгандан кейин, Ёред 800 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [20] Ёред 962 ёшида оламдан ўтди.

[21] Ханўх 65 ёшида ўғли Матушалоҳни кўрди. [22] Матушалоҳ туғилгандан кейин, Ханўх 300 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. У умр бўйи Худога ҳамроҳ бўлиб яшади. [23] Ханўх 365 йил умр кўрди. [24] У бутун умри давомида Худога ҳамроҳ бўлиб яшаб, охири, ғойиб бўлиб қолди, чунки Худо уни олиб кетган эди.

[25] Матушалоҳ 187 ёшида ўғли Ламакни кўрди. [26] Ламак туғилгандан кейин, Матушалоҳ 782 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [27] Матушалоҳ 969 ёшида оламдан ўтди.

[28] Ламак 182 ёшида бир ўғил кўрди. [29] Ламак: “Эгамиз бу ерни лаънатлаган, энди ерга ишлов берганимизда, оғир ишларимизни шу бола енгиллаштирсин”, деб ўғлининг отини Нуҳ* қўйди. [30] Нуҳ туғилгандан кейин, Ламак 595 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди. [31] Ламак 777 ёшида оламдан ўтди.

[32] Нуҳ 500 ёшдан ўтгандан кейин Сом, Хом ва Ёфас деган ўғилларини кўрди.

6–БОБ

Инсониятнинг қабиҳлиги

[1] Ер юзида инсонлар борган сари кўпая бошлади. Қизлар ҳам туғилган эди. [2] Илоҳий зотлар*, бу қизлар* чиройли экан, деб ёқтирганларини ўзларига хотин қилиб олавердилар. [3] Шунда Эгамиз айтди: “Мен ато этган Руҳ* инсонлар билан абадий қолмайди*, чунки улар ўладиган жонлардир*. Келгусида улар 120 йил умр кўрсин.” [4] Ўша кунларда, ундан кейин ҳам бу оламда улкан паҳлавонлар* яшади. Илоҳий зотлар билан аёл зотидан* туғилган бу паҳлавонлар қадимги даврнинг буюк қаҳрамонлари, машҳур жангчилари бўлган эдилар.

5 Эгамиз кўрдики, ер юзида инсон зоти қилаётган қабиҳликлар жуда ҳам кўп
экан. Уларнинг кўнглида фақат қабиҳ ният бор экан. 6 Эгамиз ер юзида
инсонларни яратганидан пушаймон бўлди, юракдан афсусланди. 7 Эгамиз айтди:
“Ўзим яратган инсон зотини ер юзидан қириб юбораман. Мен инсон билан бирга
ҳайвонларни, судралиб юрувчи жониворларни, ҳашаротларни, қушларни ҳам
қираман, уларни яратганимдан пушаймон бўляпман.” 8 Фақат Нуҳ Эгамизнинг
марҳаматига сазовор бўлган эди.

Нуҳ

9 Нуҳнинг насл–насаби тарихи қуйидагичадир:

Ўша даврда ер юзидаги солиҳ, бенуқсон одам фақат Нуҳ бўлиб, Худога ҳамроҳ
бўлиб яшарди. 10 Нуҳнинг Сом, Хом, Ёфас деган учта ўғли бор эди.
11 Эндиликда ер юзи Худонинг олдида ахлоқсизликка, зўравонликка
тўлиб–тошиб кетган эди. 12 Худо кўрдики, олам бузилиб кетган, ер юзидаги
жамики инсоният йўлдан озган эди. 13 Худо Нуҳга айтди: “Мен бутун ер юзидаги
инсонларни қириб ташлашга қарор қилдим. Чунки ер юзи уларнинг дастидан
зўравонликка тўлиб–тошди. Энди уларни бутун ер билан бирга йўқ қилмоқчиман.
14 Қаттиқ ёғочдан* ўзингга кема яса, кеманинг ичида хоналар ҳам ясаб, кеманинг
ички ва ташқи томонини қора сақич билан суваб чиқ. 15 Кеманинг узунлиги 300
тирсак, кенглиги 50 тирсак, баландлиги 30 тирсак* бўлсин. 16 Кеманинг томини
ясаганингда, том билан кеманинг девори оралиғида бир тирсак* очиқ жой
қолдир*. Эшигини кеманинг ён томонидан яса. Кемани уч қаватли қилиб яса.
17 Мен ер юзини тўфонга бостириб, тирик жонзотнинг ҳаммасини қириб
ташлайман. Ер юзидаги жамики мавжудот нобуд бўлади. 18 Сен билан эса Мен аҳд
қиламан. Сен кема ичига кирасан, сен билан бирга ўғилларинг, хотининг,
келинларинг ҳам киради. 19 Ҳайвонларнинг ҳар бир туридан бир жуфтдан —
эркаги ва урғочисидан кема ичига ўзинг билан олиб кирасан, токи тўфон пайтида
улар сен билан бирга тирик қолсин. 20 Қушларнинг, ҳайвонларнинг, судралиб
юрувчи жониворларнинг ва ҳашаротларнинг ҳар бир туридан жуфт–жуфт қилиб,
ўзинг билан олиб кирасан, токи улар тирик қолсин. 21 Ўзинг билан
озиқ–овқатларнинг ҳар бир туридан ғамлаб ол. Озиқ–овқатлар оиланг билан
барча жонзотларга егулик бўлади.” 22 Нуҳ ҳамма нарсани Худо амр этгандай
қилди.

7–БОБ

Тўфон

1 Ниҳоят, вақти келиб, Эгамиз Нуҳга айтди: “Сен бутун оила аъзоларинг билан
кема ичига кир. Ер юзидаги халқлар орасида Менинг олдимда солиҳ бўлиб
юрганлардан фақат сени топдим, холос. 2 Ўзинг билан ҳалол ҳайвонларнинг
урғочи ва эркагидан етти жуфтдан, ҳаром ҳайвонларнинг* урғочи ва эркагидан
эса бир жуфтдан ол. 3 Қушларнинг ҳар бир туридан — эркаги ва урғочисидан ҳам
етти жуфтдан танлаб ол, токи бутун ер юзида бу жонзотларнинг турлари
сақланиб қолсин. 4 Етти кундан кейин, Мен ер юзига қирқ кечаю қирқ кундуз
давомида ёмғир ёғдираман. Ўзим яратган ҳар бир тирик нарсани ер юзидан йўқ

қиламан.” 5 Нуҳ ҳаммасини Эгамиз амр этгандай қилди.

6 Ер юзини тўфон босганда, Нуҳ 600 ёшда эди. 7 Нуҳ билан бирга хотини, ўғиллари, келинлари тўфондан омон қолиш учун кеманинг ичига кирдилар. 8 Ҳалол ва ҳаром ҳайвонлардан, қушлардан, ерда судралиб юрувчи жониворлардан, ҳашаротлардан ҳар бири 9 — эркак ва урғочиси жуфт–жуфт бўлиб Нуҳ билан бирга кемага кирди. Шундай қилиб, Нуҳ Худонинг ҳамма амрларини бажарди. 10 Етти кундан кейин ер юзини тўфон боса бошлади.

11 Нуҳ 600 ёшга кирганда, иккинчи ойнинг ўн еттинчи куни ер остидаги булоқлар отилиб чиқди*, осмоннинг қопқалари очилди*. 12-13 Айни ўша куни Нуҳ билан бирга унинг ўғиллари Сом, Хом ва Ёфас, хотини ва учала келини кема ичига кирдилар. Қирқ кечаю қирқ кундуз тинмай ёмғир ёғди. 14 Улар билан бирга ёввойи ҳайвонлардан, чорвадан, ерда судралиб юрувчи ҳамма жонивор ва ҳашаротлардан, қушлардан — ҳаммасининг ҳар бир туридан кемага кирди. 15 Бу тирик жонзотлар иккита–иккитадан бўлиб Нуҳ билан бирга кемага кирди. 16 Худо Нуҳга амр қилгандай, ҳамма жониворларнинг эркак ва урғочиси кемага кириб бўлгач, Эгамиз Нуҳнинг орқасидан эшикни ёпди.

17 Ер юзида қирқ кун давомида тўфон бўлиб, сув ерни кўмди, кемани ердан юқори кўтарди. 18 Сув ер устида тобора кўпайиб борар, кема сув юзида сузарди. 19 Сув ер юзида шунчалик тўлиб–тошдики, баланд тоғлар ҳам кўмилиб кетди. 20 Сув тоғлардан ўн беш тирсак* баландликка кўтарилди. 21 Ер юзида юрган жамики жонзот — қушлар, чорва, ёввойи ҳайвонлар, судралиб юрувчи жониворлар, инсон зоти нобуд бўлди. 22 Қуруқ ер устида яшаб турган ҳамма тирик жонзот нобуд бўлди. 23 Ер юзидаги ҳар қандай жонзотни — инсонларни, ҳайвонларни, судралиб юрувчи жониворларни, ҳашаротларни, қушларни Худо йўқ қилиб юборди, ҳаммаси ер юзидан қирилиб кетди. Фақат Нуҳ ва у билан бирга кемада бўлганларгина тирик қолдилар, холос. 24 Сув 150 кун давомида ер юзини қоплаб турди.

8–БОБ

Тўфоннинг интиҳоси

1 Худо Нуҳни ва у билан кемада бирга бўлган барча жонзотларни эсдан чиқармаган эди. Худо ер узра шабада эстирган эди, сув пасая бошлади. 2 Ер остидаги булоқлар*, осмоннинг қопқаси* беркилди, қаттиқ қуяётган жала тўхтади. 3 Сув аста–секин ер юзида камая бошлади. Ниҳоят, 150 кундан кейин сув камайди. 4 Еттинчи ойнинг ўн еттинчи куни* кема Арарат тоғи чўққиларига тиралиб тўхтаб қолди. 5 Ўнинчи ойгача сув камайиб бораверди. Ниҳоят, ўнинчи ойнинг биринчи куни* тоғ чўққилари кўринди.

6 Яна қирқ кун ўтгач, Нуҳ кеманинг дарчасини очди–да, 7 қарғани чиқариб юборди. Ер юзидаги сув қуригунча, қарға у ёқдан–бу ёққа учиб юраверди. 8 Ер юзидаги сув қуриганини билиш учун энди Нуҳ кемадан каптарни учириб юборди. 9 Ҳали ер юзини сув босиб ётгани учун каптар қўнгани жой тополмай, кемага — Нуҳнинг ёнига қайтиб келди. Нуҳ каптарни ушлаб, ичкарига олди. 10 Етти кундан кейин Нуҳ яна каптарни кемадан учирди. 11 Кечга яқин каптар унинг ёнига қайтиб келди. Каптарнинг тумшуғида янги ўсиб чиққан зайтун барги бор эди. Нуҳ

билдики, ер юзидаги сув пасайибди. 12 Нуҳ яна етти кунни ўтказиб, каптарни учириб юборди. Каптар Нуҳнинг ёнига бошқа қайтиб келмади.

13 Нуҳ 601 ёшга кирганда, биринчи ойнинг биринчи кунида* ер юзидаги сув қурий бошлади. Нуҳ кеманинг қопқоғини очиб қаради, ер юзи ҳали тўлиқ қуримаган экан. 14 Ниҳоят, иккинчи ойнинг йигирма еттинчи куни* ер бутунлай қуп–қуруқ бўлди. 15 Кейин Худо Нуҳга шундай деди: 16 “Кемадан чиқ, хотининг, ўғилларинг, келинларинг ҳам сен билан бирга кемадан чиқишсин. 17 Ўзинг билан бирга ҳамма тирик жонзотларни — қушлару ҳайвонларни, судралиб юрувчи жониворларни, ҳашаротларни ҳам олиб чиқ, токи улар ер юзида серпушт бўлиб, кўпайиб, ғиж–ғиж қайнасин.” 18 Шундай қилиб, Нуҳ ўғилларини, хотини ва келинларини бошлаб, кемадан ташқарига чиқди. 19 Ҳамма ҳайвонлар, судралиб юрувчи жониворлар, ҳашаротлар, қушлар — ерда яшайдиган жамики жонзотлар ҳам ўз жуфти билан кемадан чиқди.

Нуҳ қурбонлик келтиради

20 Сўнгра Нуҳ Эгамизга атаб қурбонгоҳ қурди. Сўнг ҳар бир ҳалол ҳайвондан ва ҳалол қушдан* олиб, қурбонгоҳ устида уларни қурбонлик қилиб куйдирди.
21 Эгамиз қурбонликнинг хушбўй ҳидидан мамнун бўлиб, Ўзига Ўзи деди:
“Инсоннинг кўнглида болалигиданоқ қабиҳ ният бор экан. Шундай бўлса ҳам,
Мен бундан буён жамики тирик жонзотни олдингидай қириб ташламайман.
Инсон туфайли бутун дунёни лаънатламайман. 22 Бу олам турар экан, баҳорда
экин–тикин, кузда ўрим–йиғим, ёз ва қиш, совуқ ва иссиқ, кундуз ва тун
бўлаверади.”

9–БОБ

Худо Нуҳ билан аҳд қилади

1 Худо Нуҳ билан унинг ўғилларига марҳамат қилиб, уларга деди:
“Ували–жували бўлинглар, ер юзини тўлдиринглар. 2 Ер юзидаги жамики
ҳайвонлар, осмондаги ҳамма қушлар, ерда судралиб юрувчи жонивор ва
ҳашаротларнинг ҳаммаси, денгиздаги ҳамма балиқлар сизлардан қўрқиб,
ҳуркадиган бўлади. Буларнинг ҳаммаси устидан сизлар ҳукмрон бўласизлар.
3 Ўтни ва сабзавотларни сизларга емиш қилиб берганим сингари, ҳамма тирик
жонзотларни ҳам сизлар учун емиш қилиб бераман. 4 Лекин этни қони билан
емайсизлар. Қонда жон бўлгани учун Мен буни тақиқлайман. 5 Қотиллик
жазоланади. Инсоннинг жонини олган инсондан Мен хун талаб қиламан, инсонни
ўлдирган ҳар қандай ҳайвон ўлдирилиши лозим.

6 Кимки инсон қонини тўкса,
Унинг қонини ҳам инсон тўкар.
Зеро, инсон зотини Мен, Худо,
Яратганман Ўз суратимда.

7 Баракали бўлиб кўпайинглар, ер юзида тўлиб–тошиб, тобора ортиб боринглар.”
8 Худо Нуҳ билан унинг ўғилларига яна гапирди: 9 “Мен энди сизлар билан ва
сизларнинг авлодингиз билан аҳд қиламан. 10 Сизлар билан кемадан чиққан

ҳамма тирик жонзот — қушлар, чорва, ер юзида яшовчи ҳамма жониворлар билан ҳам аҳд қиламан. 11 Сизлар билан қатъий аҳд қиламан: бундан буён барча жонзот тўфон туфайли қирилиб кетмайди, ер юзини қириб битирадиган тўфон бошқа ҳеч қачон бўлмайди, деб ваъда бераман. 12 Сизлар ва жамики тирик жонзот билан қилаётган абадий аҳдимнинг аломати шу бўлади: 13 Мен булутлар орасида Ўз камалагимни* ҳосил қиламан. Бу камалак Менинг олам аҳли билан қилган аҳдимнинг аломати бўлади. 14 Мен булутларни ер устига олиб келганимда, камалак булутлар орасида кўриниб туради. 15 Ана ўшанда Мен Ўзим билан сизлар ва ҳамма тирик жонзот ўртасида қилган аҳдимни ёдимда тутаман. Тўфон энди ҳеч қачон жамики жонзотни йўқ қилмайди. 16 Камалак булутлар орасида турганда, Мен камалакни кўриб, ер юзидаги тирик жонзот билан Ўзим қилган абадий аҳдимни ёдимда тутаман.” 17 Худо яна Нуҳга деди: “Ер юзидаги жамики тирик жонзот билан Мен қилаётган аҳднинг аломати ана шудир.”

Нуҳ ва унинг ўғиллари

18 Нуҳ ва унинг ўғиллари Сом, Хом ва Ёфас кемадан чиқишди. Кейинроқ Хом ўғил кўриб, исмини Канъон қўйди. 19 Нуҳнинг учала ўғлидан бутун ер юзидаги халқлар тарқалди.

20 Тўфондан кейин Нуҳ деҳқон бўлди ва илк бор узумзор барпо қилди. 21 Бир куни у ўзи тайёрлаган майдан ичди. Маст бўлиб, чодирида яланғоч ётган эди, 22 Канъоннинг отаси Хом отасининг яланғоч ётганини кўрди ва ташқарига чиқиб, акаларига айтди*. 23 Сом билан Ёфас бир кийимни олиб, елкаларига ташладилар. Орқалари билан чодирга кириб, оталарининг яланғоч танасини кўрмаслик учун юзларини тескари ўгириб, унинг устини кийим билан ёпиб қўйдилар. 24 Нуҳ ўзига келгач, кенжа ўғлининг* қилмишини билди. 25 Шунда Нуҳ деди:

“Канъон* лаънати бўлсин!
Қулларнинг ҳам қули бўлсин акаларига!*”

26 Нуҳ яна деди:

“Сомнинг Худоси — Эгамизга
Ҳамду санолар бўлсин.
Канъон Сомга қул бўлсин!
27 Худо Ёфасга мўл ер берсин*,
Унинг насли Сомнинг
Халқи билан яшасин!
Канъон Ёфасга қул бўлсин!”

28 Нуҳ тўфондан кейин 350 йил яшади. 29 У 950 ёшида оламдан ўтди.

10–БОБ

Нуҳдан тарқалган дунё халқлари

1 Нуҳнинг ўғиллари Сом, Хом ва Ёфас тўфондан кейин ўғиллар кўрдилар. Уларнинг насл–насаби ва улардан келиб чиққан халқлар* тарихи қуйидагичадир:

Ёфасдан келиб чиққан халқлар

2 Ёфас насли: Гўмер, Магўг, Модай, Ёвон, Тувал, Мешех, Тирос ва улардан
келиб чиққан халқлар.
3 Гўмер насли: Ашканоз, Рифат, Тўхармо ва улардан келиб чиққан халқлар.
4 Ёвон насли: Элишох, Таршиш, Кит, Рўдон* ва улардан келиб чиққан
халқлар. 5 Ёвон насли денгиз бўйларига тарқалиб жойлашди.

Улар* ҳар хил қабилаларга ва юртларга бўлиндилар, ҳар бир
қабиланинг ўз тили бор эди.

Хомдан келиб чиққан халқлар

6 Хом насли: Куш*, Мизра*, Фут, Канъон ва улардан келиб чиққан халқлар.
7 Куш насли: Саво, Хавила, Сабто, Рамо, Сабтахо ва улардан келиб чиққан
халқлар.
Рамо насли: Шава, Дедон ва улардан келиб чиққан халқлар.

8 Кушнинг наслида яна Нимрўд дегани ҳам бор эди. Нимрўд ер юзидаги
биринчи буюк жангчи эди. 9 Эгамизнинг назарида у шу қадар буюк овчи
эдики, унинг исми ҳикмат бўлиб қолди. Одамлар моҳир овчи ҳақида
гапирганда: “Эгамизнинг назаридаги Нимрўдга ўхшаган буюк овчи” деб
айтадиган бўлишди. 10 Нимрўд шоҳлигининг илк маркази Шинар еридаги*
Бобил, Эрах, Аккад шаҳарларининг ҳаммасини* ўз ичига олган эди.
11 Нимрўд ўша ердан Оссурияга бориб*, Найнаво*, Рехобўт–Ир, Колах,
12 Расан шаҳарларини қурдирди. Расан шаҳри Колах ва буюк Найнаво
шаҳарлари орасида жойлашган эди.

13 Мизра насли: Луд, Оном, Лахов, Нафтух, 14 Патрўс, Каслув, Хафтўр ва
улардан келиб чиққан халқлар. Каслувдан Филист халқи келиб чиқди*.
15 Канъон насли: Канъоннинг тўнғич ўғли Сидон, Хет ва улардан келиб
чиққан халқлар. 16 Канъондан Ёбус, Амор, Гиргош, 17 Хив, Оруқ, Син,
18 Арвод, Замар ва Хомат халқлари ҳам келиб чиқди.

Натижада Канъон уруғлари чегарадан ташқарига тарқалиб кетди.
19 Канъоннинг чегаралари шимолдаги Сидондан бошлаб Гарор томонга —
жанубдаги Ғазогача, сўнгра шарқдаги Садўм, Ғамўра, Адма, Завўйим
томонга — то Лешагача чўзилган эди.

20 Хомнинг насли ана шулардан иборат эди. Улар ҳар хил қабилаларга ва
юртларга бўлиндилар, ҳар бир қабиланинг ўз тили бор эди.

Сомдан келиб чиққан халқлар

21 Ёфаснинг акаси Сом ҳам фарзандлар кўрди. У жамики Ибир*
наслининг ота–бобоси бўлди.

22 Сом насли: Элам, Ошур, Арпахшод, Луд, Орам ва улардан келиб чиққан
халқлар.
23 Орам насли: Уз, Хул, Гетер, Мешех* ва улардан келиб чиққан халқлар.

24 Арпахшоднинг Шилах деган ўғли* бор эди. Шилахнинг Ибир деган
ўғли бор эди. 25 Ибир икки ўғил кўрди: биринчисининг исмини Палах
қўйди, чунки унинг даврида дунё бўлиниб кетди*. Иккинчисининг исми
Ёхтон эди.

26 Ёхтоннинг насли: Элмўдод, Шалаф, Хазормават, Ёрах, 27 Ҳадорам, Узол,
Дикла, 28 Обал, Абумайл, Шава, 29 Офир, Хавила, Йўвов ва улардан келиб
чиққан халқлар.

Ёхтоннинг насли мана шулар эди. 30 Бу халқлар яшаган ҳудуд Мешадан
тортиб, шарқдаги Сафор қирлари томонгача чўзилган эди.

31 Сомнинг насли ана шулардан иборат эди. Бу халқлар ҳар хил
қабилаларга ва юртларга бўлиндилар, ҳар бир қабиланинг ўз тили бор эди.

32 Нуҳнинг ўғилларидан пайдо бўлган насллар, насабномаси бўйича,
алоҳида–алоҳида халқлар сифатида рўйхат қилинган эди. Тўфондан кейин ер
юзида мана шу халқлар ўрнашди.

11–БОБ

Бобил минораси

1 Бутун ер юзида битта тил бўлиб, ҳамма одамлар бир хил сўзлашардилар.
2 Одамлар шарқдан* кўчиб, Шинар еридаги* бир текисликка келдилар ва ўша ерда
жойлашдилар. 3 Одамлар бир–бирларига: “Келинглар, ғишт қуйиб, яхшилаб
пиширайлик”, дедилар. Шундай қилиб, улар қурилиш учун ғиштдан, қоришма
учун қора сақичдан фойдаланадиган бўлдилар. 4 Кейин одамлар айтдилар:
“Келинглар, ўзимиз учун шаҳар қурайлик, шаҳар минорасининг чўққилари
осмонга тегиб турсин. Шу тариқа ном таратайлик. Акс ҳолда, биз бутун ер юзига
тарқалиб кетамиз.” 5 Одамлар қураётган шаҳарни ва минорани кўриш учун
Эгамиз пастга тушди. 6 Эгамиз деди: “Қаранглар, ҳаммаси битта халқ,
ҳаммасининг тили бир! Бу ҳали улар қилмоқчи бўлган ишнинг бошланиши, холос.
Ҳадемай, улар кўнглига келган ишни қилишга қодир бўладилар. 7 Қани, пастга
тушайлик–да, уларнинг тилини аралаштириб юборайлик, токи бирининг гапини
иккинчиси тушунолмай қолсин.” 8 Шундай қилиб, Эгамиз уларни ўша ердан бутун
ер юзи бўйлаб тарқатиб юборди. Одамлар шаҳар қурилишини тўхтатдилар.
9 Эгамиз ҳамма одамларнинг тилини ўша ерда чалкаштириб, уларнинг ўзларини
бутун ер юзига тарқатиб юборгани учун шаҳарнинг номи Бобил* бўлиб қолди.

Сомнинг авлодлари

10 Сомнинг насл–насаби тарихи қуйидагичадир:

Сом 100 ёшга кирганда, ўғли Арпахшодни кўрган эди*. Арпахшод
туғилганда, тўфон бўлиб ўтганига икки йил бўлган эди. 11 Арпахшод
туғилгандан кейин, Сом 500 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.
12 Арпахшод 35 ёшида ўғли Шилахни кўрган эди*. 13 Шилах туғилгандан
кейин, Арпахшод 403 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.

14 Шилах 30 ёшида ўғли Ибирни кўрган эди. 15 Ибир туғилгандан кейин,
Шилах 403 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.
16 Ибир 34 ёшида ўғли Палахни кўрган эди. 17 Палах туғилгандан кейин,
Ибир 430 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.
18 Палах 30 ёшида ўғли Равуни кўрган эди. 19 Раву туғилгандан кейин,
Палах 209 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.
20 Раву 32 ёшида ўғли Саруғни кўрган эди. 21 Саруғ туғилгандан кейин,
Раву 207 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.
22 Саруғ 30 ёшида ўғли Нахўрни кўрган эди. 23 Нахўр туғилгандан кейин,
Саруғ 200 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.
24 Нахўр 29 ёшида ўғли Тераҳни кўрган эди. 25 Тераҳ туғилгандан кейин,
Нахўр 119 йил яшаб, яна ўғил–қизлар кўрди.
26 Тераҳ 70 ёшдан ўтгандан кейин ўғиллари Ибром*, Нахўр ва Харонни
кўрган эди.

Тераҳнинг авлодлари

27 Тераҳнинг насл–насаби тарихи қуйидагичадир:

Тераҳдан Ибром, Нахўр ва Харон туғилдилар. Харондан Лут туғилди. 28 Тераҳ
ҳали ҳаёт экан, Харон ўзининг туғилган юртида — Халдейдаги Ур шаҳрида*
отасидан олдин оламдан ўтди. 29 Ибром — Сорай* деган қизга, Нахўр — Милхо
деган қизга уйландилар. Милхо Хароннинг қизи эди. Милхонинг Исках деган
синглиси ҳам бор эди. 30 Сорай бепушт бўлиб, боласи йўқ эди.
31 Тераҳ ўғли Ибромни, Хароннинг ўғли — набираси Лутни, Ибромнинг хотини
— келини Сорайни эргаштириб, Халдейдаги Ур шаҳридан чиқиб, Канъон юртига
қараб йўл олди. Улар Хорон шаҳрига* келишгач, ўша ерда ўрнашдилар. 32 Тераҳ
205 ёшида Хоронда оламдан ўтди.

12–БОБ

Худо Ибромни танлайди

1 Шундан кейин Эгамиз Ибромга* деди: “Ўз юртингдан, қариндош–уруғларинг
олдидан — отанг хонадонидан чиқиб кет. Мен сенга бир юртни кўрсатаман, ўша
ерга борасан.

2 Буюк халқнинг отаси қиламан сени,
Барака бераман сенга,
Улуғ қиламан сенинг номингни,
Барака манбаи бўласан сен.
3 Мен барака берарман сени дуо қилганларга,
Сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман.
Сен орқали барака топарлар
Ер юзидаги жамики халқлар.”

4 Эгамиз амр қилгандай, Ибром кетди. Лут ҳам Ибром билан бирга кетди.
Ибром Хорондан* чиқиб кетганда, етмиш беш ёшда эди. 5 Ибром хотини Сорайни*,

жияни Лутни, Хоронда хизматга олган одамларини бошлаб, тўплаган жамики мол–мулкини олиб, Канъон юртига қараб йўлга тушди. Ниҳоят, улар Канъон юртига етиб келишди. 6 Ибром бу юртда кўчиб юриб, Шакам* яқинидаги Мўре номли муқаддас эман дарахти* ёнига етиб келиб тўхтади. Ўша пайтларда бу юртда Канъон халқи яшарди. 7 Шу ерда Эгамиз Ибромга зоҳир бўлиб: “Мана шу юртни сенинг наслингга бераман”, деди. Шундай қилиб, Ибром зоҳир бўлган Эгамизга атаб ўша ерда қурбонгоҳ қурди. 8 Шундан сўнг Ибром Байтилнинг шарқидаги қирларга йўл олди. Байтил билан Ай шаҳарларининг ўртасида* чодир тикди. Чодирдан ғарб томонда Байтил, шарқ томонда Ай шаҳарлари бор эди. Бу ерда у қурбонгоҳ қуриб, Эгамизга сажда қилди. 9 Ибром у жойдан бу жойга кўчиб, жанубга — Нагав чўлига* кетди.

Ибром Мисрда

10 Ўша пайтда Канъонда қаҳатчилик ҳаддан ортиқ авжига чиқди. Шунинг учун Ибром, қаҳатчилик тугагунча кутиб турай деб, Мисрга йўл олди. 11 Ибром Миср чегарасига яқинлашганда, хотини Сорайга деди:

— Сен жуда ҳам гўзал аёлсан. 12 Мисрликлар сени кўрганларида: “Манави аёл — унинг хотини”, деб айтишади. Мени ўлдириб, сени тирик қолдиришади. 13 Сен, унинг синглисиман, деб айтгин, токи сен туфайли Мисрликлар менга яхши муносабатда бўлсинлар, жонимга раҳм қилсинлар.

14 Ибром Мисрга кириб келганда, Сорайнинг гўзаллиги ҳамманинг оғзида дув–дув гап бўлди. 15 Сарой аъёнлари ҳам Сорайни кўришгач, уни фиръавнга роса мақташди. Шундай қилиб, Сорайни фиръавннинг саройига олиб келишди. 16 Фиръавн Сорай туфайли Ибромга ҳам кўп мурувват қилди: мол–қўй, эшаклар, қул ва чўрилар, туялар инъом қилди.

17 Лекин фиръавн Сорайни ўз ҳарамига олмоқчи бўлгани учун, Эгамиз фиръавн хонадонига даҳшатли ўлат касаллигини юборди. 18 Фиръавн Ибромни чақиртириб келиб, унга деди:

— Бу нима қилганинг? Нима қилиб қўйдинг мени? Нимага Сорай хотининг эканини менга айтмадинг? 19 Нимага, у менинг синглим, деб айтдинг? Гапингга ишониб, уни ўзимга хотин қилиб олмоқчи бўлдим–а! Мана хотининг, ол–да, кўзимдан йўқол!

20 Фиръавн ўз одамларига фармон берган эди, улар Ибромни хотини, ҳамма одамлари ва мол–мулки билан бирга юртдан чиқариб юбордилар.

13–БОБ

Ибром ва Лут бир–биридан айрилади

1 Шундай қилиб, Ибром* хотинини, жияни Лутни ва бор мол–мулкини олиб, Мисрдан чиқди ва шимолга — Нагав чўлига* йўл олди.

2 Ибром энди жуда бойиб кетган, мол–қўйлари, кумушу олтини кўп эди. 3 У Нагав чўлидан Байтилга боргунча бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрди. Ниҳоят, Байтил билан Ай оралиғига* етиб келди. У олдин ҳам шу ерда чодир тикиб, 4 қурбонгоҳ қурган эди. Ибром ўша ерда яна Эгамизга сажда қилди. 5 Ибром билан бирга кетаётган Лут ҳам жуда бой бўлиб, мол–қўйлари, кўплаб чодирлари бор эди. 6 Икковлари чорваси билан бир жойда яшашлари учун ер торлик қилиб

қолди. 7 Қолаверса, Ибромнинг чўпонлари билан Лутнинг чўпонлари ўртасида
жанжал чиқиб қолди. Бу пайтда ўша юртда Канъон ва Париз халқлари яшардилар.
8 Шунда Ибром Лутга деди:
— Менинг чўпонларим билан сенинг чўпонларинг ўртасида жанжал
бўлмаслиги керак. Ахир, биз яқин қариндошлармиз. 9 Нима қилишимиз
лозимлигини мен сенга айтай. Сен мана шу ердан яхши жойини керагича танлаб
ол, кейин бир–биримиздан ажралайлик. Агар сен чап томонга кетсанг, мен ўнг
томонга кетаман, агар сен ўнг томонга кетсанг, мен чап томонга кетаман.
10 Лут Зўвар томондаги Иордан водийсининг серҳосил текисликларига қаради.
Ҳамма ёқ серсув, гўё Эгамиз яратган боққа* ва Мисрнинг ажойиб ерларига
ўхшарди. Эгамиз Садўм ва Ғамўра шаҳарларини вайрон қилмасдан олдин водий
шунақа эди. 11 Шундай қилиб, Лут Иордан текисликларини танлади ва шарқ
томонга кетди. Шу тариқа Ибром билан Лут бир–биридан айрилдилар. 12 Ибром
Канъон юртида ўрнашди, Лут эса Иордан текисликларидаги шаҳарлар орасига
ўрнашиб, чодирларини Садўм ёнига кўчирди. 13 Садўм аҳолиси ўта қабиҳ бўлиб,
Эгамизга қарши оғир гуноҳлар қилар эдилар.

Ибром Хевронга кўчади

14 Лут Ибромдан айрилиб кетгандан кейин, Эгамиз Ибромга деди:
— Мана шу турган жойингдан шимолга, жанубга, шарққа ва ғарбга қара. 15 Сен
кўриб турган ҳамма ерни сенга ва сенинг наслингга абадий мулк қилиб бераман.
16 Мен сенинг наслингни ердаги қумдай кўпайтираман. Кимки ердаги қумни
санай олса, сенинг наслингни ҳам санай олади. 17 Қани, отлан, юртни айланиб чиқ.
Мен бу юртни сенга мулк қилиб бераман.
18 Шундай қилиб, Ибром чодирини йиғиштириб, Хеврондаги* Мамре номли
муқаддас эманзор* ёнига келди ва ўша ерда ўрнашди. У ерда Эгамизга қурбонгоҳ
қурди.

14–БОБ

Ибром Лутни қутқаради

1 Ўша пайтда Шинарда* Омрафил, Элазарда Ориёх, Эламда Кадўрламар ва
Гўйимда Тидол ҳукмронлик қилар эдилар. 2 Улар иттифоқ тузиб, қуйидаги бешта
шоҳга қарши уруш очдилар: Садўм шоҳи Берага, Ғамўра шоҳи Биршага, Адма
шоҳи Шинавга, Завўйим шоҳи Шемоверга ва Белах шоҳига. (Белах ҳозир Зўвар деб
юритилади.) 3 Ана шу бешта шоҳ иттифоқ тузиб, Сиддим водийсида кучларини
бирлаштиргандилар. (Сиддим водийси ҳозирги Ўлик денгиздир*.) 4 Бу шоҳлар ўн
икки йил давомида Кадўрламарга қарам бўлиб келгандилар. Ўн учинчи йили эса
унга қарши исён кўтаргандилар.
5 Исёндан бир йил ўтгандан кейин Кадўрламар ва унинг иттифоқчилари
лашкарлари билан келиб, Аштарўт–Карнайимдаги Рафа халқини, Хомдаги Зуз
халқини, Хиратайим текислигидаги Эйим халқини, 6 Сеир* тоғларидаги Хорим
халқини* чўлнинг четидаги Эл–Порангача таъқиб қилиб бориб, мағлуб қилдилар.
7 Сўнгра улар орқага қайтиб, Эн–Мишпат шаҳрига келдилар ва Омолекларнинг
бутун ерларини, шунингдек, Хазазон–Тамарда яшаётган Амор халқини қўлга
олдилар. (Эн–Мишпат ҳозир Кадеш деб юритилади.) 8-9 Садўм, Ғамўра, Адма,

Завўйим ва Белах, яъни Зўвар шоҳлари ўз лашкарларини Сиддим водийсида* саф торттириб, Элам шоҳи Кадўрламарнинг ва Гўйим, Шинар ва Элазар шоҳларининг лашкарларига қарши жангга тайёр қилиб қўйдилар. Хуллас, тўртта шоҳ бешта шоҳга қарши отланди. 10 Водийда қора сақич тўлдирилган чуқурлар кўп эди. Садўм ва Ғамўра шоҳлари қочиб кетаётганларида, уларнинг жангчилари ўша чуқурларга йиқилиб тушдилар. Тирик қолганлари тоғларга қочиб қутулиб қолдилар. 11 Шундай қилиб, босқинчилар Садўм ва Ғамўрани талон–тарож қилиб, у ердаги ҳамма бойликларни, ғамлаб қўйилган озиқ–овқатларни олиб, ўз йўлларига кетдилар. 12 Ибромнинг* жияни Лут Садўмда яшаётган эди. Босқинчилар Лутни асирга олиб, бор нарсасини ўлжа қилиб олдилар.

13 Бир одам босқинчилардан қутулиб, иброний Ибромнинг ёнига қочиб борди ва бўлган воқеани унга сўзлаб берди. Ибром бу пайтда Амор халқидан бўлган Мамре деган одамнинг эманзори* ёнида чодир тиккан эди. Мамре ва унинг Эшкўл, Онар деган укалари* Ибромнинг иттифоқчилари эдилар. 14 Ибром Лутнинг асирга олинганини эшитгач, ўз хонадонидаги қурол ушлашга қодир ҳамма одамларни тўплади. Улар 318 киши эди. У Кадўрламарнинг лашкари ортидан қувиб, Дан шаҳрида* уларга етиб олди. 15 Ибром ўша ерда одамларини гуруҳларга бўлиб, тунда ҳар томондан уларга ҳужум қилди. Кадўрламарнинг лашкари қочди, лекин Ибром уларни Дамашқнинг шимолидаги Хўвах шаҳригача қувлаб борди. 16 Ибром билан унинг иттифоқчилари ҳамма нарсани — ўлжа олинган нарсаларни, Ибромнинг жияни Лутни ва унинг мол–мулкини, аёлларни ва бошқа асирларни қайтариб олиб келдилар.

Маликсидиқ Ибромни дуо қилади

17 Ибром Кадўрламар ва унинг иттифоқчилари устидан ғалаба қилиб қайтиб келаётганда, Садўм шоҳи уни кутиб олгани Шовей сойлигига келди. (Шовей сойлиги Шоҳ сойлиги* деб ҳам аталган.)

18 Салим* шоҳи Маликсидиқ ҳам Ибромни кутиб олгани чиқиб, нон ва шароб олиб келди. У Худойи Таолонинг руҳонийси ҳам эди. 19 Маликсидиқ Ибромни шундай деб дуо қилди:

> “Еру кўкни яратган* Худойи Таоло
> Ибромга барака берсин.
> 20 Ёвларингни қўлингга берган Худойи Таолога
> Ҳамду санолар бўлсин.”

Ибром қайтариб олиб келган ҳамма нарсанинг ўндан бирини Маликсидиққа берди.

21 Сўнгра Садўм шоҳи Бера Ибромга шундай деди:

— Одамларимни ўзимга қайтариб берсанг бўлди, қайтариб олиб келган ҳамма нарсани ўзингга олавер.

22 Лекин Ибром Садўм шоҳига шундай жавоб берди:

— Еру кўкни яратган Эгамиз — Худойи Таоло ҳақи қасам ичиб айтаманки, 23 мен сенинг бирорта чўпингни ёки чориғингнинг ипини ҳам олмайман. Акс ҳолда: “Ибромни мен бой қилганман”, деб айтишинг мумкин. 24 Йигитларимнинг еб–ичганидан ташқари, мен сендан ҳеч нарса олмайман. Мен билан бирга борган

иттифоқчиларим Онар, Эшкўл ва Мамре эса ўзларининг улушларини олишсин.

15–БОБ

Худо Ибром билан аҳд қилади

1 Шундан кейин Эгамиз Ибромга* шу сўзларни ваҳийда аён қилди:
— Қўрқма, Ибром, Мен сенга қалқон бўламан, сенга берадиган мукофотим
буюк бўлади.
2 — Эй Эгам Раббий! Сен менга нима ҳам берар эдинг?! Мен ҳамон
бефарзандман, бутун мол–мулким Дамашқлик хизматкорим Элиазарга қолади.
3 Сен менга фарзанд бермадинг, шунинг учун хонадонимда туғилган қулим
менинг меросхўрим бўлади–да.
4 Лекин Ибромга Эгамиз яна шу сўзларни аён қилди:
— Йўқ, қулинг сенинг меросхўринг бўлмайди, ўзингнинг пушти камарингдан
бўладиган ўғлинг сенинг ҳамма мол–мулкингга меросхўр бўлади.
5 Сўнгра Эгамиз Ибромни ташқарига олиб чиқиб, унга:
— Осмонга қара, агар юлдузларни санай олсанг, санаб кўр, — деди.
Эгамиз яна айтди:
— Сенинг наслинг ҳам ўша юлдузларга ўхшаган кўп бўлади.
6 Ибром Эгамизга ишонди, Эгамиз уни ишончи учун солиҳ деб билди.
7 Сўнгра Эгамиз унга деди:
— Мен сенинг Эгангман, бу юртни сенга мулк қилиб бермоқчиман, шунинг
учун сени Халдейдаги Ур шаҳридан* олиб чиққанман.
8 — Эй Эгам Раббий! Бу юртни мерос қилиб олишимга қандай ишонч ҳосил
қиламан? — деб сўради Ибром.
9 — Менга уч ёшли ғунажин, уч ёшли эчки, уч ёшли қўчқор, каптар, мусичани
олиб кел, — деди Эгамиз.
10 Эгамиз нима айтган бўлса, ҳаммасини Ибром олиб келиб, сўйди.
Ҳайвонларни узунасига ўртасидан бўлиб, бўлакларни бир–бирига қаратиб қўйди.
Лекин қушларни иккига бўлмади. 11 Қузғунлар гўштларни ейиш учун қўнганда,
Ибром қузғунларни ҳайдади.
12 Қуёш ботаётганда, Ибромни қаттиқ уйқу босди. Уни қўрқув, ваҳима қамраб
олди. 13 Шунда Эгамиз Ибромга айтди:
— Шуни яхши билиб қўйки, сенинг наслинг бегона юртда мусофир бўлиб
яшайди. Тўрт юз йил қул бўлиб, жабр–зулм тортади. 14 Лекин Мен сенинг
наслингни қул қилган халқни жазолайман. Сенинг наслинг бегона юртдан катта
бойлик билан чиқиб кетади. 15 Сен жуда ҳам кексайиб оламдан ўтиб, дафн
этиласан, ота–боболаринг ёнига хотиржам кетасан. 16 Сенинг наслинг тўрт авлод
ўтгандан кейин* бу ерга қайтиб келади, чунки Амор халқларининг қабиҳлиги
ҳали ҳаддан ошмади*.
17 Қуёш ботиб, қоронғи тушгандан кейин, Ибром ичидан тутун чиқиб турган
тоғорани ва ёнаётган машъалани кўрди. Ўша тоғора ва машъала бўғизланган
ҳайвон бўлаклари орасидан ўтди*. 18 Шундай қилиб, ўша куни Эгамиз Ибром
билан аҳд қилди ва шундай деди:
— Мен сенинг наслингга Мисрдаги дарёдан* тортиб буюк Фурот дарёсигача

бўлган жойларни 19 — Хайин, Ханаз, Кадмон, 20 Хет, Париз, Рафа, 21 Амор, Канъон,
Гиргош, Ёбус халқларининг ерларини бераман.

16–БОБ

Ҳожар ва Исмоил

1 Ибромнинг* хотини Сорай* ҳамон бола кўрмас эди. Сорай Мисрлик Ҳожар
деган бир аёлни чўри қилиб олган эди. 2 Бир куни Сорай Ибромга айтди:

— Эгамиз мени фарзанддан қисди. Энди чўримнинг ёнига кираверинг. Балки у
орқали фарзандли бўларман*.

Ибром Сорайнинг таклифига рози бўлди. 3 Шундай қилиб, Ибромнинг хотини
Сорай Мисрлик чўриси Ҳожарни эрига хотин* қилиб олиб берди. Бу воқеа юз
берганда, Ибром Канъон юртига кирганига ўн йил бўлган эди. 4 Ибром Ҳожарнинг
ёнига кирди. Ҳожар ҳомиладор бўлди. Ҳожар ҳомиладорлигини билгач, бекаси
Сорайни назар–писанд қилмай қўйди. 5 Шунда Сорай Ибромга деди:

— Чўримга имтиёз бериб, ўзим уни сизнинг қўйнингизга солиб қўйдим. Энди
у ҳомиладор бўлиб, мени назарига илмай қўйди–я. Буларнинг ҳаммасига сиз
айбдорсиз!* Худога солдим, қай биримизнинг ҳақ эканимизни Худо ҳал қилсин!

6 Ибром Сорайга:

— Ҳозир ҳам у сенинг чўринг, унга истаганингни қилавер, — деб жавоб берди.
Сорай Ҳожарга шунақанги шафқатсизлик қилдики, Ҳожар қочиб кетишга мажбур
бўлди.

7 Эгамизнинг фариштаси саҳродаги булоқ ёнида — Шурга* борадиган йўл
бўйида Ҳожарни топди.

8 — Эй Ҳожар, Сорайнинг чўриси! Қаердан келиб, қаерга кетяпсан? — деб
сўради.

— Бекам Сорайдан қочиб келяпман, — деб жавоб берди Ҳожар.

9 — Бекангнинг ёнига қайт, унга итоат эт, — деди Эгамизнинг фариштаси
Ҳожарга. 10 — Сенинг наслингни шу қадар кўп қиламанки, кўплигидан ҳеч ким
санай олмайди.

11 Эгамизнинг фариштаси Ҳожарга яна гапирди:

“Сен ҳомиладорсан ва туққайсан ўғил,
Эгамиз эшитди жафоларингни,
Унинг исмини қўйгайсан Исмоил*.
12 Ўғлинг бўлғай асов эшакдай,
Унинг қўли кўтарилгай ҳаммага қарши
Ва ҳамманинг қўли — унга қарши,
Қариндошлари билан душман бўлиб яшагай*.”

13 Ҳожар: “Мени кўрадиган Худони кўрдим–а!”* деди. Шунинг учун у ўзига
гапирган Эгамизга: “Мени кўрадиган Худосан”* деб ном берди. 14 Шунинг учун бу
қудуққа Бэр–Лахай–Руй* деб ном берилган. Қудуқ Кадеш билан Барид орасида
жойлашган.

15 Ҳожар Ибромга ўғил туғиб берди, Ибром бу болага Исмоил деб исм қўйди.

16 Бу пайтда Ибром саксон олти ёшда эди.

17–БОБ

Аҳд белгиси — суннат

1 Ибром* тўқсон тўққиз ёшга кирганда, Эгамиз унга зоҳир бўлиб, деди:

— Мен Қодир Худоман. Мен кўрсатган йўлдан юр, ҳар доим покдил бўлиб яшагин. 2 Мен сен билан аҳд қиламан, сенга жуда кўп насллар ато қиламан.

3 Ибром ерга мук тушиб таъзим қилди. Кейин Худо унга айтди:

4 — Сен билан қиладиган аҳдим шудир: сен кўплаб халқларнинг отаси бўласан. 5 Энди сенинг исмингни ўзгартираман. Исминг энди Ибром эмас, Иброҳим* бўлади. Чунки Мен сени кўплаб халқларнинг отаси қиламан. 6 Сени жуда ҳам баракали қиламан, сендан халқлар яратаман, сендан шоҳлар келиб чиқади. 7 Мен сенга ва сендан кейинги наслларингга берган ваъдамда тураман. Бу абадий аҳд бўлади. Мен доимо Сенинг Худойинг, сендан кейинги наслларингнинг Худоси бўлиб қоламан. 8 Сен мусофир бўлиб яшаб турган мана шу Канъон юртининг ҳаммасини Мен сенга ва наслларингга абадий мулк қилиб бераман. Мен уларнинг Худоси бўламан.

9 Худо Иброҳимга яна деди:

— Сен ва сендан кейинги наслларинг авлодлар оша Мен билан қилган аҳдга риоя қилишларингиз лозим. 10 Сен ва сенинг наслларинг риоя қилишларингиз керак бўлган аҳдим қуйидагичадир: орангиздаги ҳар бир эркак суннат қилинсин. 11 Суннат — сен билан Менинг ўртамиздаги аҳднинг белгиси бўлади. 12 Ҳозирдан бошлаб насллар оша хонадонингдаги ҳар бир ўғил бола туғилгандан кейин саккиз кун ўтгач, суннат қилинсин. Бу фақат сенинг оила аъзоларинггагина тегишли бўлмай, балки хонадонингда туғилган хизматкорларингга ва сенинг наслингдан бўлмаган, бегоналардан сотиб олган хизматкорларингга ҳам тегишлидир. 13 Хонадонингда туғилган хизматкорларинг ҳам, сотиб олинган хизматкорларинг ҳам суннат қилинсин. Шундай қилиб, Менинг сен билан қилган аҳдим абадий эканини танангиздаги белги кўрсатиб туради. 14 Суннат қилинмаган эркак халқим орасидан йўқ қилинсин. У Менинг аҳдимни бузган ҳисобланади.

15 Худо Иброҳимга яна айтди:

— Хотининг Сорайга келсак, унинг исми бундан кейин Сорай бўлмасин. Ҳозирдан бошлаб уни Сора* деб чақир. 16 Мен Сорага марҳамат кўрсатаман. Мен ундан сенга ўғил ато қиламан. Ҳа, Мен Сорага шунчалик барака бераманки, у кўп халқларнинг онаси бўлади. Унинг насллари орасидан шоҳлар чиқади.

17 Иброҳим мук тушиб таъзим қилди, кейин кулиб қўйди–да, ўзига ўзи деди: “Юз ёшга кирган одам бола кўрар эканми?! Бунинг устига, Сора ҳам тўқсонга кирди, энди бола туғармиди?!” 18 Иброҳим Худога:

— Қанийди, Исмоил Сенинг марҳаматинг остида яшаса, — деди.

19 — Йўқ, хотининг Сора сенга ўғил туғиб беради, — деди Худо. — Сен ўғлингнинг отини Исҳоқ* қўясан. Мен ўғлинг билан ва унинг келгуси насли билан абадий аҳдимни давом эттираман. 20 Исмоил тўғрисида қилган илтимосингни ҳам эшитдим. Мен унга барака бераман, унинг наслини ҳаддан ташқари

кўпайтираман. У ўн икки йўлбошчининг отаси бўлади. Ундан буюк халқ келтириб чиқараман. 21 Лекин Мен Ўз аҳдимни туғиладиган ўғлинг Исҳоқ билан қиламан. Келгуси йили худди шу пайтда Сора сенга Исҳоқни туғиб беради.

22 Худо Иброҳим билан гаплашиб бўлгач, унинг ёнидан кетди.

23 Ўша куниёқ Иброҳим Худо амр этгандай қилди: ўғли Исмоилни, хонадонида туғилган хизматкорларини, бегоналардан сотиб олган хизматкорларини — хонадонидаги ҳамма эркакни суннат қилди. 24 Иброҳим суннат қилинганда, тўқсон тўққиз ёшда, 25 ўғли Исмоил ўн уч ёшда эди. 26 Иброҳим билан ўғли бир кунда суннат қилиндилар. 27 Шундай қилиб, Иброҳимнинг хонадонидаги жамики эркак зоти ҳам у билан бирга суннат қилинди.

18–БОБ

Худо Иброҳимга ўғил ваъда қилади

1 Куннинг жазирама иссиқ пайти эди. Иброҳим Мамредаги муқаддас эманзорда* чодирига кираверишда ўтирган эди, шу пайт Эгамиз унга зоҳир бўлди. 2 Шу лаҳзада Иброҳим рўпарасида учта одам турганини билди. Иброҳим учаласини кўрган заҳоти уларни кутиб олгани югуриб борди ва мук тушиб таъзим қилди.

3 — Ҳазратим*, — деди Иброҳим, — марҳаматингизни дариғ тутманглар, бу қулингизнинг эшигини босиб ўтиб кетманглар. 4 Хизматкорларим сув келтиришсин, оёқларингизни ювишсин, ўзларингиз дарахтнинг соясида дам олинглар. 5 Модомики, бу қулингизнинг хонадонига ташриф буюрибсизлар, мен нон–пон олиб келай. Саёҳатингизни давом эттиришдан олдин бардам бўлиб олинглар.

— Майли, — дейишди улар, — айтганингдай қилавер.

6 Иброҳим шошилганича чодирга қайтди–да, Сорага деди:

— Тез бўл! Уннинг яхшисидан дарров бир тоғора* олиб, нон ёп.

7 Сўнгра подага бориб, семиз бузоқни танлади ва хизматкорига берди. Хизматкор дарров бузоқни сўйиб, таом тайёрлашга киришди. 8 У сузма, сут ва пиширириб тайёрланган бузоқ гўштини олиб, меҳмонларнинг олдига қўйди. Меҳмонлар овқатланишаётганда, Иброҳим дарахт остида уларга ўзи хизмат қилиб турди.

9 — Хотининг Сора қаерда? — деб сўрашди улар.

— Шу ерда, чодирда, — деб жавоб берди Иброҳим.

10 Улардан бири*:

— Мен келгуси йили шу пайтда* қайтиб келганимда, хотининг Сора ўғилли бўлади, — деди. Сора чодир пардасининг орқасида, чодирга кираверишёнида бу суҳбатни эшитиб турарди. 11 Бу пайтда Иброҳим ҳам, Сора ҳам жуда кексайиб қолишган, Сора бола туғиш давридан анча ўтган эди. 12 У ичида кулиб, ўзича ўйлади: “Мен мункиллаган кампир бўлсам–у, қандай қилиб лаззатлана олардим?! Бунинг устига, хўжайиним ҳам қариб қолган бўлса.” 13 Шунда Эгамиз* яна Иброҳимга айтди:

— Нима учун Сора кулди? Нимага у: “Қариб қолган бўлсам, бола туғармидим”, деди? 14 Мен — Эгангиз учун имконсиз нарса бор эканми?! Келгуси йил шу пайтда

Мен қайтиб келаман. Ўшанда Сора ўғилли бўлади.

15 Лекин Сора қўрқиб кетган эди.

— Кулмадим, — деб гапидан тонди у.

— Йўқ, кулдинг, — деди Эгамиз.

Иброҳим Садўм учун ёлворади

16 Шундан кейин учалови ўринларидан туриб, Садўм томонга йўл олдилар. Иброҳим, уларни кузатиб қўяй деб, бирга юрди. 17 Эгамиз: “Мен қилмоқчи бўлган ишларимни Иброҳимдан сир тутмайман”, деди Ўзига. 18 “Иброҳимдан буюк, қудратли халқ келиб чиқади. Ер юзидаги жамики халқлар у орқали барака топади. 19 Иброҳим ўғилларини, ўз наслини Менинг йўлимдан юришга, тўғрилик ва адолат билан иш қилишларига йўл кўрсатсин деб, уни танлаганман. Шунда Мен Иброҳимга берган ваъдамни бажараман.” 20 Сўнгра Эгамиз Иброҳимга деди:

— Садўм ва Ғамўра аҳолисининг разиллиги, уларнинг оғир гуноҳлари ҳақидаги оҳу фиғонлар Менга етиб келди. 21 Мен пастга тушиб кўрай–чи, уларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам шунчалик гуноҳга ботиб кетибдимикан?!

22 Шундан кейин икки киши Садўмга қараб йўл олди. Эгамиз эса Иброҳим билан қолди. 23 Иброҳим Унга қараб, сўради:

— Сен гуноҳкорни ҳам, бегуноҳни ҳам бирдай қириб ташлайверасанми? 24 Айтайлик, шаҳарда элликта бегуноҳ одам топсанг, шаҳарни вайрон қилаверасанми? Бегуноҳ одамларнинг ҳақи–ҳурмати учун шаҳарга раҳм қилмайсанми? 25 Наҳотки гуноҳсиз одамни гуноҳкор билан бирга йўқ қилсанг?! Асло! Сен гуноҳсизнинг бошига гуноҳкорнинг кунини солмайсан–ку! Ахир, Сен бутун оламнинг Ҳокимисан, адолат ила иш тутасан!

26 — Агар Мен Садўмда элликта бегуноҳ одамни топсам, — деди Эгамиз, — уларнинг ҳақи–ҳурмати учун бутун шаҳарга раҳм қиламан.

27 — Эй Раббий! Мен тупроқ ва кул бўлсам ҳам, Сенга гапираётганимда қўполлигим учун кечиргин, — деди Иброҳим. 28 — Элликта бегуноҳ одамга бешта етмаса–чи? Бешта кам бўлгани учун бутун шаҳарни қириб ташлайсанми?

— Агар у ерда қирқ бешта солиҳ одамни топсам, шаҳарни қириб ташламайман.

29 Иброҳим Эгамизга яна гапирди:

— Балки у ерда қирқта бегуноҳ одам топилар.

— Ўша қирқта бегуноҳнинг ҳақи–ҳурмати учун бу ишни қилмайман, — деди Эгамиз.

30 — Ё Раббий! — деди Иброҳим. — Гапирсам, Ўзинг кечиргайсан. Балки у ерда ўттизта бегуноҳ топилар?

— Агар у ерда ўттизта бегуноҳ одамни топсам, шаҳарни қириб ташламайман, — деб жавоб берди У.

31 — Раббий! Гапираётганимда қўполлигим учун кечиргин, — деди Иброҳим. — Балки у ерда йигирмата бегуноҳ одам топилар?

— Ўша йигирмата бегуноҳ одамнинг ҳақи–ҳурмати учун шаҳарни қириб ташламайман, — деди У.

32 — Раббий! Яна бир марта гапирсам, Ўзинг кечиргайсан, — деди Иброҳим. — Балки у ерда ўнта бегуноҳ одам топилар?

— Ўша ўнта бегуноҳ одамнинг ҳақи–ҳурмати учун шаҳарни қириб

ташламайман, — деб жавоб берди Эгамиз.

33 Эгамиз Иброҳим билан гаплашиб бўлгач, Ўз йўлига кетди. Иброҳим ҳам чодирига қайтди.

19–БОБ

Садўм аҳолисининг гуноҳкорлиги

1 Ўша куни кечқурун иккала фаришта* Садўмга етиб келди. Лут Садўм дарвозаси ёнида* ўтирган эди. Лут фаришталарни кўриб, уларга пешвоз чиқди ва мук тушиб таъзим қилди.

2 — Жаноблар, марҳамат, шу кеча бу қулингизнинг уйига киринглар, оёқларингизни ювайин, меникида тунаб қолинглар. Эртага эрталаб йўлларингизга кетсаларингиз ҳам бўлади.

— Раҳмат, биз тунни шаҳар майдонида ўтказамиз, — деб айтишди улар. 3 Лут ҳадеб қистайвергандан кейин, фаришталар Лутникига келишди. Лут хизматкорларига нон* ёпиб, зиёфат тайёрлашни буюрди. Зиёфат тайёр бўлгач, улар овқатланишди. 4 Лекин улар энди ухлашга ётмоқчи бўлиб турганларида, Садўм шаҳрининг ҳамма эркаги — ёшу қариси келиб, Лутнинг уйини ўраб олишди. 5 Улар Лутни чақиришиб, сўрашди:

— Бугун кечқурун сенинг уйингга келган одамлар қани? Уларни олиб чиқ бизнинг олдимизга! Улар билан бирга бўлайлик.

6 Лут ташқарига чиқиб, орқасидан эшикни ёпиб қўйди.

7 — Биродарларим! — деди у, — ўтинаман, зинҳор бундай қабиҳлик қила кўрманглар! 8 Мана, иккита бокира қизим бор. Қизларимни сизларга олиб чиқиб берайин, улар билан билганларингизни қилинглар. Лекин бу одамларга тегманглар, улар менинг меҳмоним, менинг паноҳим остидадирлар.

9 Лекин улар:

— Йўлдан қоч! — деб шовқин солдилар. — Сен ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Биз сенга орамиздан жой бердик, энди эса бизга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми?! Мана энди кўрасан. Анави келган одамларга қиладиганимиздан ҳам баттарроғини сенга қиламиз!

Одамлар Лутни сиқиб келиб, эшикни синдирмоқчи бўлдилар. 10 Шу пайт ичкаридаги иккала фаришта қўлларини ташқарига чиқариб, Лутни уйнинг ичкарисига — ёнларига олдилар ва эшикни ёпдилар. 11 Кейин уйнинг эшиги олдида турган ҳамма одамларни — катталарни ҳам, кичикларни ҳам фаришталар кўр қилиб қўйдилар. Шунинг учун одамлар эшикни топа олмай қолдилар.

Лут Садўмдан кетади

12 Шундан кейин фаришталар Лутдан сўрашди:

— Бу шаҳарда сенинг яна киминг бор? Куёвингми, ўғилларингми, қизларингми — сенга қарашли ким бўлса ҳам, шаҳардан олиб чиқиб кет. 13 Биз шаҳарни бутунлай қириб ташлаймиз. Бу шаҳар аҳолисининг разиллигию оғир гуноҳлари ҳақидаги оҳу фиғонлар Эгамизга етиб борди. “Бу шаҳарни қириб ташланглар”, деб У бизни юборди.

14 Шундан кейин Лут бўлажак куёвлари олдига бориб:

— Тезда шаҳардан чиқиб кетинглар! — деди. — Эгам бу шаҳарни қириб

ташламоқчи.

Лекин Лутнинг гапи куёвларига ҳазил бўлиб туюлди. 15 Тонг отгач, фаришталар Лутни шошилтиришди:

— Тез бўл! Хотининг билан иккала қизингни олиб, ҳозироқ бу ердан жўна! Бўлмаса, шаҳарга қирғин келганда, сизлар ҳам ҳалок бўласизлар!

16 Лут ҳали ҳам иккиланиб турганда, фаришталар Лутни, хотинини ва иккала қизини қўлларидан ушлаб, шаҳар ташқарисига олиб чиқиб қўйдилар. Чунки Эгамиз шафқатли эди. 17 Фаришталар уларни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб қўйганларидан кейин, улардан бири огоҳлантирди:

— Қочинглар, жонларингни қутқаринглар! Орқага қарамanглар, водийдаги бирон жойда тўхтаманглар! Тоққа қараб қочинглар! Бўлмаса, ҳалок бўласизлар!

18 — Йўқ, Ҳазратим! — деб илтижо қилди Лут. 19 — Бу қулингизга кўп иноят кўрсатдингиз, ҳаётимни қутқариб қолдингиз, менга кўп шафқат қилдингиз. Лекин тоғ жуда ҳам узоқ. Мен фалокатга йўлиқиб, у ерга етиб боролмай ўлиб кетаман–ку! 20 Ҳов анави шаҳарчани кўряпсизми? Ўзи кичкинагина шаҳарча, унча узоқ эмас. Мен ўша ёққа қочиб бора қолай. Ўшанда мен жонимни сақлаб қоламан.

21 — Бўпти! — деди фаришта Лутга. — Сен айтгандай бўлсин. Ўша кичкина шаҳарни йўқ қилмайман. 22 Тез бўл, ўша ёққа қоч! Сен ўша шаҳарга етиб бормагунингча, мен ҳеч нарса қилолмайман.

Лут шаҳарни кичкина дегани учун, бу шаҳар Зўвар* деб юритиладиган бўлди.

23 Қуёш чиқаётганда, Лут Зўварга етиб келди.

Садўм ва Ғамўра вайрон қилинади

24 Шундан кейин Эгамиз Садўм ва Ғамўра шаҳарлари устига ёнаётган олтингугурт ёғдирди. 25 Ёнаётган олтингугурт бу шаҳарлар қаторида водийдаги ҳамма шаҳарларни аҳолисию ўт–ўланлари билан бирга қириб ташлади.

26 Лутнинг ортидан хотини келаётган эди. Хотини орқасига қараган эди, туз устунига айланиб қолди.

27 Кейинги куни эрталаб Иброҳим Эгамиз билан гаплашган жойга қайтиб борди. 28 Садўм, Ғамўра ва бутун водийга қараб, у ерлардан тутун кўтарилаётганини кўрди. Бу манзара гўё тандирдан чиқаётган тутунни эслатарди.

29 Худо водийдаги шаҳарларни қириб, Лут яшаётган шаҳарларга фалокат ёғдирганда, Иброҳимни эсдан чиқармаган эди. Шунинг учун Худо Лутни фалокатдан асраб қолди.

Мўаб ва Оммон халқларининг келиб чиқиши

30 Лут Зўварда туришдан қўрқиб, иккала қизи билан тоғдаги бир ғорга жойлашиб, ўша ерда яшайверди. 31 Бир куни катта қизи кичигига деди:

— Бу атрофларда бизга уйланадиган бирорта эркак қолмаган. Отамиз эса қариб қоляпти. 32 Кел, отамизга шароб ичирамиз–да, кейин унинг ёнига кирамиз. Шу йўл билан отамиздан наслимизни давом эттирамиз.

33 Шундай қилиб, улар ўша куни кечаси оталарига шароб ичирдилар. Катта қизи отасининг ёнига кирди. Отаси қизининг қачон кириб, қачон турганини билмади. 34 Кейинги куни катта қизи кичигига деди:

— Кеча тунда мен отамнинг ёнига кирдим. Бугун ҳам отамизга шароб

ичирайлик, кейин сен отамизнинг ёнига кирасан. Шу йўл билан отамиздан наслимизни давом эттирамиз.

35 Шундай қилиб, улар ўша куни кечаси ҳам оталарига шароб ичирдилар. Кичик қиз отасининг ёнига кирди. Отаси кичик қизининг қачон кириб, қачон турганини билмади. 36 Шундай қилиб, Лутнинг иккала қизи ҳам оталаридан ҳомиладор бўлдилар. 37 Катта қизи ўғил туғди ва исмини Мўаб* қўйди. У бугунги кунда Мўаб халқининг ота–бобоси ҳисобланади. 38 Кичик қиз ҳам ўғил туғди ва исмини Баномми* қўйди. У бугунги кунда Оммон халқининг ота–бобоси ҳисобланади.

20–БОБ

Иброҳим ва Абумалек

1 Иброҳим бу ердан кўчиб, жанубга — Нагав чўли* томонга йўл олди ва Кадеш билан Шур оралиғида жойлашди. Кейинроқ Гарорга* кетди. У ерда бир оз яшади.

2 Иброҳим бу ердаги одамларга хотини Сорани, у менинг синглим, деб айтар эди. Гарор шоҳи Абумалек одам юбориб, Сорани саройига олдириб келди.

3 Абумалек кечаси туш кўрди. Тушида Худо зоҳир бўлиб, унга деди: “Сен мана шу хотинни олганинг учун ўласан, чунки унинг эри бор.” 4 Лекин Абумалек ҳали Сорага яқинлашмаган эди.

— Ё Раббий! — деди Абумалек. — Мен бегуноҳман–ку! Энди бегуноҳ одамни ҳам ўлдираверасанми? 5 Иброҳим менга, у менинг синглим, деди–ку! Аёлнинг ўзи ҳам, Иброҳим — менинг акам, деди. Мен бу ишни пок кўнгил билан қилдим.

6 Худо Абумалекка тушида яна деди:

— Сенинг пок кўнгилли эканингни биламан. Шу сабабдан Менга қарши гуноҳ қилишдан сени сақладим. Сорага тегишингга йўл қўймадим. 7 Энди сен бу аёлни эрига қайтариб бер. Унинг эри — пайғамбар, сен учун ибодат қилади. Шунда сен тирик қоласан. Агар бу аёлни эрига қайтариб бермасанг, шуни билиб қўйки, ўзинг ҳам, бутун оила аъзоларинг ҳам ўласизлар.

8 Эртаси куни саҳарда Абумалек ҳамма аъёнларини чақириб, уларга бўлган воқеани айтиб берди. Ҳаммалари қаттиқ ваҳимага тушдилар. 9 Кейин Абумалек Иброҳимни чақиртириб, унга деди:

— Бизни нима қилиб қўйдинг? Сенга қарши қандай гуноҳ қилибман–а?! Мен ҳам, шоҳлигим ҳам шунчалик оғир гуноҳга ботишига сен сабабчи бўлдинг! Сен менга ҳеч ким ҳеч қачон қилмаслиги керак бўлган ишни қилдинг.

10 Абумалек Иброҳимдан:

— Нимани ўйлаб бу ишни қилдинг? — деб сўради.

11 — Бу ерда ҳеч ким Худодан қўрқмайди, хотинимни тортиб олиш учун мени ўлдирадилар, деб ўйладим, — деди Иброҳим. 12 — Бунинг устига, у ҳақиқатан ҳам менинг синглим, отамиз бир, лекин онамиз бошқа–бошқа бўлгани учун унга уйланганман. 13 Худо мени отамнинг хонадонидан бегона юртларга саёҳатга олиб кетганда, хотинимга шундай деган эдим: “Қаерга борсак ҳам, мен тўғримда гапирганингда, у менинг акам, деб айтгин. Шунда менга содиқлигингни кўрсатган бўласан.”

14 Шундан кейин Абумалек мол–қўйидан, қул ва чўриларидан Иброҳимга

берди. Хотини Сорани ҳам қайтариб берди.

15 — Мана, шоҳлигимга қарашли ерлар қаршингда турибди, — деди Абумалек. — Қаерда яшашни хоҳласанг, ўша жойни танлаб олавер.

16 Сорага эса шундай деди:

— Мана, акангга минг бўлак кумушни* товон қилиб тўлаяпман. Бу кумушлар ёнингдагиларга сенинг поклигингни исботлайди*.

17-18 Худо Сора туфайли Абумалекнинг хонадонидаги ҳамма аёлни туғмайдиган қилиб қўйган эди. Иброҳим Худога ибодат қилди. Худо Абумалекка шифо берди, шунингдек, унинг хотини ва чўриларига ҳам шифо бериб, уларни туғадиган қилди.

21–БОБ

Исҳоқнинг туғилиши

1 Эгамиз берган ваъдаси бўйича Сорага марҳамат қилди. 2 Сора ҳомиладор бўлиб, Иброҳимга қариган чоғида ўғил туғиб берди. Буларнинг ҳаммаси Худо айтган вақтда юз берди. 3 Иброҳим ўғлига Исҳоқ деб исм қўйди. 4 Худо амр қилгандай, Исҳоқ саккиз кунлик бўлганда, Иброҳим уни суннат қилди*. 5 Исҳоқ туғилганда, Иброҳим юз ёшда эди. 6 Сора деди: “Худо менга шодлик ва кулги* ато қилди, бу ҳақда эшитган ҳар ким мен билан бирга кулади. 7 Ким ҳам, Сора чақалоқ эмизади, деб Иброҳимга айта оларди?! Мен эса Иброҳимга қариган чоғида ўғил туғиб бердим.”

8 Вақт ўтиб, Исҳоқ катта бўлиб қолгач, Сора уни кўкракдан чиқарди. Бу бахтли кунни нишонлаб, Иброҳим катта зиёфат берди*.

Ҳожар билан Исмоил қувилади

9 Мисрлик Ҳожарнинг Иброҳимга туғиб берган ўғли Исмоил* Исҳоқни* масхара қилаётганини* Сора кўриб қолди. 10 Сора Иброҳимдан:

— Бу чўрини ўғли билан бирга ҳайдаб юборинг! — деб талаб қилди. — Чўрининг ўғли менинг ўғлим билан меросхўр бўлмасин*.

11 Бу гапдан Иброҳим жуда хафа бўлди, ахир, Исмоил ҳам унинг ўғли эди–да. 12 Лекин Худо Иброҳимга деди:

— Бола ва чўри хотининг учун ташвиш тортма. Соранинг айтганларини қил. Чунки Мен сенга ваъда қилган наслинг Исҳоқ орқали келиб чиқади. 13 Чўри хотинингнинг боласи сенинг ҳам ўғлинг бўлгани учун Мен унга ҳам фарзандлар ато этиб, ундан халқлар яратаман.

14 Иброҳим эртасига саҳарда турди. Бир оз егулик ва бир меш сув олиб, Ҳожарнинг елкасига юклади–да, ўғли билан бирга жўнатиб юборди. Ҳожар Бершеба атрофларида чўлда бемақсад изғиб юрди.

15 Мешдаги сув тамом бўлгач, Ҳожар боласини бир бутанинг тагида қолдирди. 16 Сўнгра: “Боламнинг ўлишини кўрмайин”, деб боласидан бир ўқ отими* нарига бориб ўтирди. Ҳожар ўша ерда ўтириб, йиғлаб, фарёд қила бошлади. 17 Худо ўсмирнинг йиғисини эшитди. Худонинг фариштаси самодан Ҳожарни чақириб деди:

— Нимага ғам чекяпсан, Ҳожар? Қўрқма, сен ўсмирни қолдириб кетган жойдан Худо унинг йиғисини эшитди. 18 Қани, ўғлингни тургиз, унинг қўлидан ушла. Мен

унинг наслидан буюк халқ яратаман.
19 Худо Ҳожарнинг кўзини очиб юборган эди, у бир қудуқни кўрди. Бориб,
мешни сувга тўлдириб келди–да, боласига ичирди.
20 Худо доимо бола билан бирга бўлди. Бола Порон чўлида* ўсиб–улғайди. У
моҳир камонкаш бўлди. 21 Онаси уни Миср юртидан бир қизга уйлантирди.

Иброҳим билан Абумалек ўртасидаги аҳдлашув

22 Бир куни Абумалек* лашкарбошиси Пихол билан бирга Иброҳимнинг олдига
борди ва унга деди:
— Сен ҳар қандай ишни қилганингда ҳам Худо сен билан бирга. 23 Энди
Худонинг номини ўртага қўйиб, сени, болаларингни, наслингни алдамайман, деб
қасам ич. Мен сенга содиқлигимни кўрсатдим. Шунинг учун ҳозир, сенга ва мен
истиқомат қилиб турган шу юртингга содиқ бўламан, деб қасам ич.
24 — Қасам ичаман, — деди Иброҳим.
25 Шунда Иброҳим Абумалекка: “Хизматкорларинг зўрлик билан менинг
қудуғимни тортиб олишди”, деб шикоят қилиб қолди.
26 — Бу ҳақда биринчи марта эшитяпман, — деди Абумалек. — Сен менга бу
ҳақда айтмаган эдинг. Бу ишни ким қилганини билмайман.
27 Шундай қилиб, Иброҳим Абумалекка мол–қўйлар берди ва иккаласи аҳд
қилдилар. 28 Иброҳим еттита урғочи қўзини сурувдан ажратиб олди. 29 Абумалек
Иброҳимдан:
— Сен еттита урғочи қўзини ажратиб олдинг, бунинг маъноси нима? — деб
сўради.
30 Иброҳим шундай жавоб берди:
— Мана шу еттита урғочи қўзини сен қўлимдан олишинг керак, токи бу
қудуқни ўзим қазиганимни булар исботлайди*.
31 Шундай қилиб, икковлари қасамёд қилишди. Шунинг учун бу жой ҳозиргача
Бершеба* деб юритилади. 32 Улар аҳд қилганларидан кейин, Абумалек ўз
лашкарбошиси Пихол билан Филистлар еридаги Гарор шаҳрига қайтиб кетди.
33 Иброҳим Бершебада юлғун дарахти* ўтқазди ва у ерда абадий Худога —
Эгамизга сажда қилди. 34 У Филистлар ерида анча вақт яшади.

22–БОБ

Худо Иброҳимга амр беради

1 Шу воқеалардан кейин Худо Иброҳимни синади.
— Иброҳим! — деб чақирди Худо.
— Лаббай! — деб жавоб берди Иброҳим.
2 — Ёлғиз суюкли ўғлинг Исҳоқни олиб, Мориёх ерига* бор, — деди Худо. —
Мен сенга бир тоғни кўрсатаман, ўша тоғда ўғлингни қурбонлик қилиб
куйдирасан.
3 Эртаси куни Иброҳим саҳарда туриб, эшагини эгарлади. Оловда
куйдириладиган қурбонлик учун ўтин тайёрлади. Сўнг икки хизматкори ва ўғли
Исҳоқни ёнига олиб, Худо айтган ерга жўнади. 4 Уч кун йўл юрганларидан кейин,
Иброҳим узоқдан ўша жойни кўрди. 5 Иброҳим хизматкорларига деди:
— Сизлар шу ерда — эшакнинг ёнида қолинглар. Ўғлим билан ҳов анави ерга

борамиз–у, у ерда сажда қилиб, шу ерга қайтиб келамиз.

6 Иброҳим қурбонлик куйдириш учун ўтинни олиб, ўғли Исҳоқнинг елкасига ортди. Ўзи эса пичоқ билан чўғни олиб кетди. Икковлари бирга кетишди.

7 — Отажон! — деди бир пайт Исҳоқ отасига.

— Лаббай, ўғлим, — деб жавоб берди Иброҳим.

— Олов билан ўтин бор–у, лекин қурбонлик қилиб куйдириладиган қўзи қани? — деб сўради Исҳоқ.

8 — Қурбонлик қилиб куйдириладиган қўзини Худонинг Ўзи беради*, ўғлим, — деб жавоб қилди Иброҳим. Шундай қилиб, икковлари бирга йўлда давом этишди.

9 Улар Худо кўрсатган ерга етиб келганларидан кейин, Иброҳим қурбонгоҳ қуриб, қурбонгоҳга ўтин қалади. Сўнгра у ўғли Исҳоқни боғлаб, қурбонгоҳдаги ўтинлар устига ётқизди. 10 Иброҳим пичоқни олди ва ўғлини бўғизлашга шайланди. 11 Шу пайт Эгамизнинг фариштаси самодан унга ҳайқирди:

— Иброҳим! Иброҳим!

— Лаббай! — деб жавоб берди Иброҳим.

12 — Пичоқни ташла! — деб буюрди фаришта. — Бундай қилма, болага зарар етказма. Энди билдим, сен ҳақиқатан Худодан қўрқар экансан. Сен ҳатто ягона ўғлингни ҳам Мендан аямадинг.

13 Иброҳим бошини кўтариб, қўчқорни кўриб қолди. Қўчқорнинг шоҳлари чакалакларга ўралиб қолган эди. Иброҳим қўчқорни ушлаб, қурбонгоҳда ўғлининг ўрнига куйдириб қурбонлик қилди. 14 Шунинг учун бу жойга Иброҳим “Эгамиз беради”* деб ном қўйди. Бу ном бугунги кунда*: “Эгамизнинг тоғида* берилади*” деган ҳикматга айланиб кетган.

15 Шундан кейин Эгамизнинг фариштаси самодан Иброҳимни яна чақирди:

16 — Эганг айтмоқда: “Менга итоат қилганинг учун, ҳатто ягона ўғлингни ҳам Мендан аямаганинг учун Ўзимнинг номим билан қасамёд қиламан*: 17 сенга албатта қут–барака бераман. Наслингни осмондаги юлдузлардай, денгиз қирғоғидаги қумдай сон–саноқсиз қилиб кўпайтираман. Наслинг ғанимларининг дарвозаларини эгаллайдилар. 18 Менга итоат қилганинг учун ер юзидаги ҳамма халқлар сенинг наслинг орқали барака топади.”

19 Шундай қилиб, Иброҳим ўғли билан бирга хизматкорлари ёнига қайтиб келди ва Бершебага — уйига йўл олди. Иброҳим Бершебада яшаб қолди.

Нахўрнинг насли

20 Шундан кейин Иброҳим: “Уканг Нахўрнинг хотини Милхо саккиз нафар ўғил туққан” деган хабарни эшитди. 21 Тўнғич ўғлининг исми Уз, кейингисининг оти Буз, ундан кейингисиники Камувол (Камувол Орамнинг отаси бўлди), 22 Хосит, Хазо, Пилдаш, Йидлаф, Батувал эди. 23 Батувал бир қиз кўриб, отини Ривқо қўйди. 24 Милхо туғиб берган саккиз нафар ўғлидан ташқари, Нахўрнинг Равумо деган чўриси* ҳам унга тўрт ўғил туғиб берди. Бу ўғилларининг исми Тавах, Гахам, Тахаш ва Махо эди.

23–БОБ

Сора вафот этиб, дафн қилинади

1 Сора 127 ёшида, 2 Канъон юртидаги Хират–Арбада вафот этди. (Хират–Арба
ҳозир Хеврон деб юритилади.) Иброҳим Сорага аза тутиб, йиғлади. 3 У Соранинг
жасадини қолдириб, Хет халқидан* бўлган оқсоқоллар олдига борди ва уларга
деди:
4 — Мен сизларнинг орангизда яшаётган бир мусофирман. Илтимос, менга
ерингиздан озгина жойини сотинглар, токи марҳумамни дафн қилай.
5 Хет халқидан бўлган оқсоқоллар Иброҳимга шундай жавоб беришди:
6 — Гапимизга қулоқ солинг, тўрам! Биз сизни улуғ бек деб ҳисоблаймиз.
Хотинингизни дафн қилишингиз учун жойларимиздан энг яхшисини танлаб
олинг. Марҳумангизни дафн қилишингиз учун бироргамиз сиздан мақбара учун
ер аямаймиз.
7 Иброҳим уларга эгилиб таъзим қилди. 8 Кейин деди:
— Марҳумамни дафн қилишимга рози экансизлар, энди менинг гапимга қулоқ
солинглар, Зўхар ўғли Эфрўнга менинг илтимосимни етказинглар. 9 У ўзининг
Махпаладаги даласининг четида жойлашган ғорни менга сотсин. Мен ғорнинг
тўлиқ нархини тўлайман, токи сизларнинг гувоҳлигингизда ғор менинг
хонадоним учун мақбара бўлсин.
10 Эфрўн шу пайтда шаҳар дарвозасида* йиғилган ўз халқи орасида ўтирган
эди. У жамики Хет халқига эшиттириб, Иброҳимга шундай жавоб берди:
11 — Тўрам, энди менинг гапимни эшитсинлар. Мен даламни, даламдаги ғорни
ҳам сизга инъом қиламан. Халқимнинг гувоҳлигида буларни сизга бераман.
Марҳумангизни дафн қилаверинг.
12 Иброҳим юрт халқига яна таъзим қилди. 13 У юрт халқига эшиттириб,
Эфрўнга шундай жавоб берди:
— Раҳмат, лекин мен бутун далангиз учун кумуш тўлаб, сотиб олай, токи
марҳумамни у ерга олиб бориб, дафн қилай. Илтимос, менинг таклифимни рад
этманг.
14-15 — Э тўрам, — деди Эфрўн Иброҳимга, — тўрт юз бўлак кумуш* турадиган
бир парча ер бизнинг орамизда нима бўпти?! Марҳумангизни дафн қилаверинг.
16 Иброҳим рози бўлиб, Эфрўн ҳаммага эшиттириб айтган тўрт юз бўлак
кумушни унга тортиб берди. Бу ўлчов савдогарлар орасида муомалада эди.
17 Шундай қилиб, Эфрўннинг Мамре шарқида жойлашган Махпаладаги мулки
Иброҳимга ўтди. Мулк далани, даладаги ғорни ва даланинг четидаги ҳамма
дарахтларни ўз ичига олар эди. 18 Булар шаҳар дарвозасида йиғилган Хет
халқининг гувоҳлигида Иброҳимнинг доимий мулки бўлиб қолди. 19 Шундан
кейин Иброҳим Канъон юртида Мамре шарқидаги Махпала даласининг четида
жойлашган ғорга хотини Сорани дафн қилди. (Мамре Хевронда жойлашган.)
20 Шундай қилиб, Хет халқига қарашли бўлган дала ва у ердаги ғор мақбара
сифатида Иброҳимнинг доимий мулки бўлиб қолди.

24–БОБ

Исҳоқ ва Ривқо

1 Иброҳим энди анча кексайиб қолди. Иброҳим нима қилмасин, Эгамиз унга
барака берарди. 2 Иброҳимнинг хонадонида қулбошиси бор эди. Иброҳим бор
мулкини унга ишониб топширган эди. Бир куни Иброҳим ўша қулбошисига
айтди:
— Қўлингни сонимнинг остига қўйиб*, 3 Самовий Худо — Эгамнинг номи
билан: “Ўғлингизга шу ерлик — Канъоннинг қизларидан келин олиб бермайман”,
деб қасам ич. 4 Сен менинг она юртимга — қариндошларимникига бор. У ердан
ўғлим Исҳоққа келин топиб кел.
5 — Эҳтимол, ўша қиз менга эргашиб, бу юртга келишга рози бўлмас, — деди
қулбоши Иброҳимга. — Ундай ҳолда ўғлингизни сизнинг она юртингизга олиб
боришим керакми?
6 — Йўқ! Зинҳор бундай қила кўрма! — деди Иброҳим унга. — Ўғлимни у ерга
қайтариб олиб борма! 7 Самовий Худо — Эгам мени отам хонадонидан —
қариндош–уруғларим юртидан олиб чиққанда, У менга: “Сен турган шу юртни
сенинг наслингга бераман”, деб қатъий ваъда берган эди. Сендан олдин Эгам
фариштасини юборади. У шундай қиладики, сен менинг ўғлимга келин бўладиган
қизни ўша юртдан топиб келасан. 8 Лекин ўша қиз сен билан бирга келишга рози
бўлмаса, қасамдан озод бўласан. Зинҳор ўғлимни у ерга олиб борма.
9 Қулбоши ўз хўжайини Иброҳимнинг сони тагига қўлини қўйиб, унинг
айтганларини қилишга онт ичди.
10 Шундан кейин қулбоши хўжайинининг ўнта туясига ҳар хил қимматбаҳо
совғалардан ортиб, Орам–Нахрайимга* йўл олди. Қулбоши Иброҳимнинг укаси
Нахўр яшайдиган шаҳарга борди. 11 Оқшом пайти қулбоши шаҳар ташқарисидаги
қудуқ ёнига етиб келди ва туяларни чўктирди. Бу пайтда аёллар сув олгани шу
ерга келишарди. 12 Қулбоши ибодат қилди:
— Эй Эгам, хўжайиним Иброҳимнинг Худоси! Бугун сафаримни ўнгла,
хўжайиним Иброҳимга илтифот кўрсатгин. 13 Мен қудуқ бошида турибман, шаҳар
қизлари сув олгани келишяпти. 14 Истагим шуки, мен уларнинг бирига: “Илтимос,
кўзангдан сув ичиб олай”, деб айтай. Агар ўша қиз: “Марҳамат, бемалол
ичаверинг, туяларингизни ҳам суғориб қўяман”, деб айтса, қулинг Исҳоққа келин
қилиб танлаганинг ўша қиз бўлсин. Шу орқали хўжайинимга илтифот
кўрсатганингни билайин.
15 У ҳали гапини айтиб тугатмаган ҳам эдики, бир қиз келиб қолди. У елкасида
кўзасини кўтариб олган эди. Бу қизнинг исми Ривқо бўлиб, у Батувалнинг қизи,
Батувал — Иброҳимнинг укаси Нахўрнинг ўғли эди, Нахўрнинг хотини — Милхо
эди. 16 Ривқо ҳали бирон эркакнинг қўли тегмаган бокира қиз бўлиб, жуда
чиройли эди. У қудуқ бўйига келиб, кўзасини тўлдирди ва орқасига қайтди.
17 Шунда қулбоши югуриб, унга пешвоз чиқди.
— Илтимос, кўзангдаги сувдан бир қултум бер, — деди.
18 — Марҳамат, жаноблари, ичинг, — деб қиз дарров кўзасини елкасидан
туширди–да, унга ичгани сув берди. 19 Қулбоши сув ичиб бўлгач, қиз деди:
— Энди туяларингиз учун ҳам сув тортиб бераман, тўйгунча ичсин.

20 У дарров кўзасидаги сувни охурга бўшатди–ю, яна сув тортгани қудуққа
югуриб кетди. Қулбошининг ҳамма туяларини суғорди. 21 Қулбоши: “Эгам
саёҳатимни ўнгидан келтиргани ростмикан ёки йўқми”, деб сув тортаётган
Ривқони жимгина кузатиб турди.
22 Қиз туяларни суғориб бўлгач, қулбоши қизга бурунга тақиладиган олтин
сирғани* ва икки билагузукни тақиб қўйди. Олтин сирғанинг оғирлиги бир
мисқолдан ортиқ*, билагузукнинг оғирлиги йигирма беш мисқол* чиқарди.
23 Сўнгра у қиздан:
— Айт–чи, кимнинг қизисан? — деб сўради. — Отангнинг уйида бир кеча
тунашимиз учун бизга жой топиладими?
24 — Мен Батувалнинг қизиман. Бобом — Нахўр, бувим Милхо эдилар, — деб
жавоб берди қиз. 25 Сўнгра у:
— Уйимизда туяларингиз учун сомон ҳам, ем ҳам кўп, меҳмонлар учун жой ҳам
бор, — деб қўшиб қўйди. 26 Қулбоши тиз чўкиб, Эгамизга сажда қилди:
27 — Хўжайиним Иброҳимнинг Худоси — Эгамга ҳамду санолар бўлсин. Эгам
хўжайинимга содиқ қолиб, марҳаматини дариғ тутмабди. Эгам мени тўппа–тўғри
хўжайинимнинг қариндошлари олдига бошлаб келибди.
28 Қиз уйига югуриб борди ва юз берган воқеалардан уйидагиларни хабардор
қилди. 29-30 Ривқонинг Лобон деган акаси бор эди. Лобон синглисининг бурнидаги
сирғани ва қўлларидаги билагузукларни кўрди, синглисидан қулбошининг
айтганларини эшитиб, қудуқ бўйига шошилди. Ўша одам ҳали ҳам булоқ бошида,
туяларининг олдида турган эди.
31 — Қадамингизга ҳасанот, эй Худо ёрлақаган. Нега бу ерда турибсиз? Қани,
уйга юринг, уйимда сиз учун битта хона, туяларингиз учун жой тайёрлаб қўйдим.
32 Шундай қилиб, қулбоши уйга кирди. Лобон туяларни юклардан бўшатиб,
сомон, ем берди. Кейин у Иброҳимнинг қулбошисига ва у билан бирга келган
туякашларга оёқларини ювиш учун сув олиб келди. 33 Шундан кейин кечки таом
келтирилди. Иброҳимнинг қулбошиси эса:
— Мен нима учун келганимни сизларга айтмагунимча, овқат емайман, — деди.
— Марҳамат, гапиринг, қандай иш билан келдингиз? — деб сўради Лобон.
34 — Мен Иброҳимнинг қулбошисиман, — деб гап бошлади у. 35 —
Хўжайинимга Эгам барака ато этган: у бой бўлиб кетган, Эгам унга кўплаб
мол–қўй, кумушу олтинлар, қул ва чўрилар, туяю эшаклар берган. 36 Хотини Сора
қариган чоғида хўжайинимга бир ўғил туғиб берди. Хўжайиним бутун
мол–мулкини ўғлига топширган. 37 Хўжайиним ўғлига ўзи яшаётган Канъон
юртининг қизларидан келин олиб бермаслигим учун менга қасам ичирди.
38 “Менинг ота уруғим — қариндошларим олдига бориб, ўша ердан ўғлимга келин
олиб кел”, деди. 39 Мен эса: “Ўша қиз менга эргашиб бу ерга келмаса–чи”, дедим.
40 Лекин хўжайиним айтди: “Мен Эгам кўрсатган йўлдан юраман, У Ўзининг
фариштасини сен билан бирга жўнатиб, йўлингни ўнглайди. Сен ўғлимга
қариндошларимдан — отам уруғидан келин олиб келасан. 41 Агар
қариндошларимникига борганингда, улар қизини бу ерга юборишга рози
бўлишмаса, қасамингдан озод бўласан.”
42 Қулбоши гапида давом этди:
— Бугун мен қудуқ бўйига келиб, дедим: “Эй Эгам, хўжайиним Иброҳимнинг

Худоси! Ўтинаман, сафаримни ўнгла. 43 Мен булоқ бошида турибман. Сув олгани
келган қизга мен, илтимос, кўзангдан сув ичиб олай, деб айтай. 44 Ўша қиз,
марҳамат, бемалол ичаверинг, туяларингизни ҳам суғориб қўяман, деб айтса,
хўжайинимнинг ўғлига Эгам келин қилиб танлаган қиз ўша бўлсин." 45 Мен
кўнглимдан шу гапларни ўтказиб бўлмаган ҳам эдимки, Ривқо елкасида кўзасини
кўтариб келаётган экан. У қудуққа бориб, кўзасини сувга тўлдирди. Мен унга:
"Илтимос, сувингдан ичиб олай", дедим. 46 У дарров елкасидан кўзасини
туширди–да: "Марҳамат, ичинг, туяларингизни ҳам суғориб қўяман", деди. Мен
сув ичдим, Ривқо туяларимни ҳам суғорди. 47 Сўнг мен ундан: "Кимнинг қизисан?"
деб сўрадим. У: "Батувалнинг қизиман. Бобом — Нахўр, бувим Милхо эдилар", деб
жавоб берди. Шундай қилиб, унинг бурнига сирғани, қўлларига билагузукларни
тақиб қўйдим. 48 Сўнгра Эгамга тиз чўкиб, сажда қилдим. Хўжайиним
Иброҳимнинг Худоси — Эгамга ҳамду санолар айтдим. Эгам мени тўппа–тўғри
хўжайинимнинг қариндошлари олдига олиб келди. Мен хўжайинимнинг ўғлига
қариндошлари оиласидан келин топдим. 49 Энди хўжайинимга чинакамига
садоқат кўрсатадиган бўлсаларингиз, буни айтинглар, агар йўқ, десангизлар,
буни ҳам айтинглар, токи мен бир қарорга келиб, бирор нарса қилайин.

50 — Эгамизнинг Ўзи сизни бу ерга олиб келди, — деб айтдилар Лобон билан
Батувал. — Биз сизга нима ҳам дер эдик?! 51 Мана, Ривқо қаршингизда турибди.
Уни олинг–да, кетаверинг. Эгамиз айтгандай, у хўжайинингизнинг ўғлига келин
бўлсин.

52 Иброҳимнинг қулбошиси уларнинг гапларини эшитгач, мук тушиб, Эгамизга
сажда қилди. 53 Сўнгра олтин, кумуш тақинчоқлар, чиройли либосларни Ривқога
берди. Ривқонинг акаси билан онасига ҳам қимматбаҳо ҳадялар берди.
54 Қулбоши ва у билан бирга келган одамлар еб–ичдилар, тунни шу ерда
ўтказдилар. Улар эртаси куни эрталаб туришгач, қулбоши: "Энди рухсат
берсангиз, хўжайинимнинг олдига қайтайлик", деди. 55 Лекин Ривқонинг акаси
билан онаси:

— Ривқо ҳеч бўлмаса ўн кунча биз билан қолсин, кейин кетса ҳам бўлади, —
дейишди.

56 Лекин қулбоши уларга шундай деди:

— Мени ушлаб турманглар, Эгамиз сафаримни ўнгидан келтирди. Мен қайтай,
хўжайинимнинг олдига борай.

57 — Ҳозир қизимизни чақириб, ўзидан сўрайлик–чи, — дейишди улар.
58 Ривқони чақириб, ундан:

— Ҳозир мана бу одам билан кетасанми? — деб сўрашди.

— Ҳа, кетаман, — деди Ривқо.

59 Шундай қилиб, улар Ривқони, унинг энагасини Иброҳимнинг қулбошиси ва
одамлари билан бирга жўнатдилар. 60 Улар Ривқони дуо қилиб, унга шундай
дедилар:

> "Эй синглимиз! Мингларча, ўн мингларча фарзандларнинг онаси бўлгин!
> Наслинг ғанимларининг дарвозаларини эгалласин!"

61 Шундан сўнг Ривқо ва унинг чўрилари туяларга миниб, Иброҳимнинг

қулбошиси билан жўнашга тайёр бўлишди. Ҳаммалари йўлга тушишди.
62 Бу вақтда Исҳоқ Нагав чўлида*, Бэр–Лахай–Руй қудуғи* ёнида яшаётган эди.
63 Исҳоқ кечқурун сайр қилиш учун* ташқарига чиққан эди. Бир пайт у туялар
келаётганини кўрди. 64 Ривқо ҳам Исҳоқни кўрди ва дарров туядан тушди.
65 — Ҳув ана, бир одам дала бўйлаб биз томонга келяпти, ким у? — деб сўради
Ривқо қулбошидан.
— Менинг хўжайиним, — деб жавоб берди қулбоши. Ривқо рўмолини олиб,
юзини беркитди. 66 Қулбоши ҳамма қилган ишларини Исҳоққа айтиб берди.
67 Шундай қилиб, Исҳоқ Ривқони онаси Сора яшаган чодирга олиб келди. У
Ривқога уйланди. Исҳоқ уни жуда севарди. Шу тариқа Исҳоқ онасининг ўлимидан
сўнг тасалли топди.

25–БОБ

Иброҳимнинг бошқа ўғиллари

1 Иброҳим бошқа аёлга уйланди. У аёлнинг исми Хатуро эди. 2 У Иброҳимга бир
неча ўғил туғиб берди. Ўғилларнинг исми Зимрон, Ёхшон, Мидон, Мидиён,
Йишбоқ ва Шувах эди. 3 Ёхшоннинг Шава ва Дедон деган ўғиллари бор эди.
Дедоннинг насли Ашур, Латуш ва Лум халқлари эди. 4 Мидиённинг ўғиллари
Эфах, Ифар, Ханўх, Авидо ва Элдах эдилар. Хатуродан бино бўлган ўғиллари мана
шулар эдилар. 5 Иброҳим бутун мол–мулкини ўғли Исҳоққа берди. 6 Иброҳим ҳаёт
экан, чўрилари* туғиб берган ўғилларига ҳадялар берди ва ўша ўғилларини
Исҳоқнинг олдидан нарига — шарқ томондаги юртга жўнатди.

Иброҳим вафот этиб, дафн қилинади

7 Иброҳим 175 йил яшаб, 8 нуроний ёшда, кексайиб, оламдан ўтди. 9 Ўғиллари
Исҳоқ билан Исмоил уни Мамре шарқидаги Махпала даласининг четида
жойлашган ғорга дафн қилдилар. Бу дала илгари Хет халқидан бўлган Зўхар ўғли
Эфрўнники эди. 10 Бу далани Иброҳим Хет халқидан* сотиб олган эди. Иброҳим бу
ғорда хотини Соранинг ёнига дафн қилинди*. 11 Иброҳим вафот этгандан кейин,
Худо унинг ўғли Исҳоққа барака берди. Исҳоқ Бэр–Лахай–Руй қудуғи* ёнида
истиқомат қиларди.

Исмоилнинг насли

12 Соранинг Мисрлик чўриси Ҳожар Иброҳимга туғиб берган Исмоилнинг
насл–насаби тарихи қуйидагичадир:

13 Туғилиш тартибига кўра, Исмоил ўғилларининг исмлари қуйидагича:
тўнғич ўғли — Наваёт, кейингилари Кедар, Адбал, Мивсом, 14 Мишмо, Думах,
Массо, 15 Ҳадад, Темо, Ятур, Нофиш ва Кедемах. 16 Исмоилнинг бу ўн икки ўғли ўн
икки қабиланинг йўлбошчиси бўлдилар. Ўша қабилалар чодир қуриб жойлашган
ерларга уларнинг исмлари берилди. 17 Исмоил 137 ёшида оламдан ўтди.
18 Исмоилнинг насли Оссурияга кетаверишда — Мисрнинг шарқидаги Хавила
билан Шур орасида ўрнашди. Улар қариндошларига душман бўлиб яшардилар*.

Эсов билан Ёқуб туғилади

19 Иброҳим ўғли Исҳоқнинг хонадони тарихи қуйидагичадир:

Иброҳим Исҳоқнинг отаси эди. 20 Исҳоқ Ривқога уйланганда қирқ ёшда эди.
Ривқо Батувалнинг қизи, Лобоннинг синглиси эди. Батувал Орамлик бўлиб,
Паддон–Орамдан* эди. 21 Ривқонинг боласи бўлмади. Исҳоқ хотини учун Эгамизга
илтижо қилди. Эгамиз унинг илтижоларини эшитди. Ривқо ҳомиладор бўлди.
22 Ривқонинг қорнидаги болалари бир–бири билан уришардилар. Ривқо: “Агар
шунақа бўлса, ҳомиладор бўлишимнинг нима фойдаси бор?!”* деб бу ҳақда
Эгамиздан сўради. 23 Эгамиз Ривқога шундай деди:

“Сенинг қорнингда икки халқ бор,
Сендан туғилганлар икки халққа бўлинар*.
Бири иккинчисидан кучли чиқажак,
Каттаси кичигига хизмат қилажак.”

24 Ривқонинг ой–куни яқинлашиб, эгизак туғди. 25 Тўнғичи туғилганда,
қип–қизил* экан. Унинг танаси жун матога ўхшарди. Шунинг учун унинг исмини
Эсов қўйдилар*. 26 Укаси эса Эсовнинг товонини ушлаб туғилди, шунинг учун
унинг исмини Ёқуб қўйдилар*. Эгизаклар туғилганда, Исҳоқ олтмиш ёшда эди.

Эсов тўнғичлик ҳуқуқини сотади

27 Болалар улғайдилар. Эсов — дала–даштни яхши кўрадиган моҳир овчи, Ёқуб
эса уйда ўтиришни ёқтирадиган, беозор одам бўлди. 28 Эсов овлаб келган
ҳайвонларнинг гўштини Исҳоқ тановул қилиб, лаззат олар, шунинг учун у Эсовни
яхши кўрарди. Ривқо эса Ёқубни яхши кўрарди.
29 Бир куни Ёқуб ясмиқ* шавла пишираётган эди, Эсов даладан очқаб, сулайиб
келиб қолди. 30 Эсов Ёқубга:
— Менга ана шу қизил овқатингдан бергин, ўлгудай қорним очди, — деди.
(Шунинг учун у Эдом* деган исм ҳам олган.)
31 — Бўпти, — деди Ёқуб, — лекин бунинг эвазига менга тўнғичлик
ҳуқуқингни* сот.
32 — Э, тўнғичлик ҳуқуқимдан менга нима фойда, қорним очганидан ўлай деб
турибман, — деди Эсов.
33 — Олдин менга қасам ич, — деди Ёқуб. Эсов Ёқубга қасам ичди. Шундай
қилиб, у тўнғичлик ҳуқуқини Ёқубга сотди. 34 Шундан кейин Ёқуб Эсовга нон
билан ясмиқ шавла берди. Эсов еб–ичиб, ўрнидан турди–да, ўз ишлари билан
чиқиб кетди. Шундай қилиб, Эсов ўзининг тўнғичлик ҳуқуқини менсимади.

26–БОБ

Исҳоқ ва Филистлар шоҳи Абумалек

1 Шу орада юртда қаттиқ очарчилик бўлди, бундай очарчилик илгари Иброҳим
даврида ҳам юз берган эди*. Исҳоқ Гарор шаҳрига кўчиб кетди. У ерда Филистлар
шоҳи Абумалек* яшарди. 2 Эгамиз Исҳоққа зоҳир бўлиб, деди:
— Мисрга борма. Мен сенга кўрсатадиган юртда ўрнашиб, 3 ўша ерда яшаб тур.
Агар шундай қилсанг, Мен сен билан бирга бўламан, сенга барака бераман. Мана
шу ерларнинг ҳаммасини сенга ва сенинг наслингга бераман. Отанг Иброҳимга

берган ваъдамда тураман. [4] Мен сенинг наслингни осмондаги юлдузлар каби
сон–саноқсиз қиламан. Мана шу ерларнинг ҳаммасини сенинг наслингга бераман.
Сенинг наслинг орқали ер юзидаги ҳамма халқлар барака топадилар. [5] Иброҳим
Менинг талабларимга, амрларимга, фармонларимга, қонунларимга итоат этгани
учун сенга барака бераман.
[6] Шундай қилиб, Исҳоқ Гарор шаҳрида ўрнашиб қолди. [7] Бу ердаги одамлар
Исҳоқдан Ривқо тўғрисида сўраганларида, “У менинг синглим”, деб жавоб
берарди. “У менинг хотиним”, деб айтишдан қўрқар эди. Ривқо жуда чиройли
бўлгани сабабли: “Одамлар уни тортиб олиш учун мени ўлдирадилар”, деб
ўйларди.
[8] Орадан анча вақт ўтди. Бир куни Исҳоқ Ривқони эркалатаётганда, Филистлар
шоҳи Абумалек деразадан кўриб қолди. [9] Абумалек Исҳоқни чақиртирди.
— У сенинг хотининг экан–ку! Нимага уни, синглим, деб айтдинг? — деб
сўради.
— Агар хотиним деб айтсам, бирортаси уни тортиб олиш учун мени ўлдиради,
деб қўрқдим, — деди Исҳоқ.
[10] — Бу нима қилганинг–а?! Ахир, одамларимдан бири хотининг билан
осонликча бирга бўлиши мумкин эди–ку! Ундай ҳолда бизни гуноҳкор қилиб
қўйган бўлардинг!

Филистлар Исҳоқ билан қудуқ учун тортишади

[11] Шундай қилиб, Абумалек: “Кимки бу одамга ёки унинг хотинига озор
етказса, ўша одамнинг жазоси ўлимдир”, деб фармон бериб, ҳаммани
огоҳлантирди.
[12] Исҳоқ у ерда даласига уруғ сепди. Эгамиз унга марҳамат кўрсатгани учун
эккан уруғига нисбатан юз баробар кўп ҳосил олди. [13] Исҳоқ бойиб кетди, бойлиги
тобора кўпайиб бораверди. [14] Унинг қўй–эчки сурувлари, мол подалари,
хизматкорлари кўп эди. Шу сабабдан Филистлар Исҳоққа ҳасад қилишарди.
[15] Улар Исҳоқнинг ҳамма қудуқларини тупроққа тўлдириб ташлашди. Иброҳим
ҳаётлигида бу қудуқларни ўзининг хизматкорларига қаздирган эди. [16] Абумалек
Исҳоққа: “Бизнинг еримиздан кет, сен биздан кўра, жуда кучайиб кетдинг”, деди.
[17] Исҳоқ бу ердан кетиб, Гарор сойлигида* чодир тикиб, ўша ерда ўрнашиб
олди. [18] Иброҳим бу ерда қудуқлар қаздирган, лекин унинг вафотидан кейин
Филистлар бу қудуқларни кўмиб юборган эдилар. Исҳоқ ўша қудуқларни
қайтадан қаздирди. Исҳоқ қудуқларга отаси қўйган номларни берди. [19] Унинг
хизматкорлари сув топиш учун Гарор сойлигида ерни қазиётганларида, булоқ
отилиб чиқди. [20] Лекин Гарорлик чўпонлар келишиб: “Бу булоқ бизники”, деб
булоқни талаб қилдилар. Шундай қилиб, улар Исҳоқнинг чўпонлари билан қудуқ
устида жанжаллашиб қолдилар. Шунинг учун Исҳоқ қудуққа Жанжал* деб ном
берди. [21] Сўнгра Исҳоқнинг одамлари бошқа қудуқ қазидилар. Лекин бу қудуқ
устида ҳам келишмовчилик юз берди. Шунинг учун Исҳоқ бу қудуққа Зиддият*
деб ном берди. [22] Исҳоқ бу ердан ҳам кўчиб, бошқа қудуқ қаздирди. Ерли аҳоли
охири уларни ўз ҳолига қўйди. Исҳоқ: “Ниҳоят, Эгам бу юртда яшашимиз учун
бизга кенг жой берди, энди биз бу ерда яйраб–яшнаб кетамиз”, дея қудуққа
Кенглик* деб ном берди.

23 Исҳоқ бу ердан ҳам Бершебага кўчиб кетди. 24 Ўша куни кечаси Эгамиз
Исҳоққа зоҳир бўлиб, деди:
— Мен отанг Иброҳимнинг Худосиман. Қўрқма, Мен сен билан биргаман. Ўз
қулим Иброҳимнинг ҳақи–ҳурмати учун сенга барака бераман, сенга
сон–саноқсиз насл ато қиламан.
25 Исҳоқ у ерда қурбонгоҳ қуриб, Эгамизга сажда қилди, ўша ерда чодирини
тикди. Исҳоқнинг хизматкорлари у ерда қудуқ қазидилар.

Исҳоқ билан Абумалек ўртасидаги аҳдлашув

26 Абумалек маслаҳатчиси Охизат ва лашкарбошиси Пихол билан бирга
Гарордан Исҳоқнинг олдига борди. 27 Исҳоқ уларга деди:
— Нимага менинг олдимга келдингиз? Менга адоват билан қараб, ерингиздан
чиқариб юборган эдингиз–ку!
28 — Бизга энди аён бўлди: Эганг сен билан бирга экан. Шунинг учун сен билан
биз онт ичиб, аҳд қилайлик, дедик. 29 Биз сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган
эдик, аксинча, олижаноблик қилиб, эсон–омон жўнатиб юборган эдик. Сен ҳам:
“Сизларга ёмонлик қилмайман”, деб қасам ич. Сен Худонинг ёрлақагани экансан.
30 Исҳоқ уларга зиёфат тайёрлади. Улар еб–ичдилар. 31 Эртаси куни улар эрта
тонгда туриб, бир–бирларига қасамёд қилдилар. Сўнгра Исҳоқ уларни уйларига
эсон–омон жўнатиб юборди. 32 Ўша куни Исҳоқнинг хизматкорлари келиб: “Биз
сув топдик”, деб унга ўзлари қазиган қудуқ тўғрисида айтдилар. 33 Исҳоқ бу
қудуққа Қасамёд* деб ном қўйди. Шунинг учун шаҳарнинг номи бугунгача
Бершебадир*.

Эсовнинг ажнабий хотинлари

34 Эсов қирқ ёшида Хет халқидан иккита қизга — Бэри деган кишининг Яҳудит
исмли қизига ва Элўн деган кишининг Босимат исмли қизига уйланди.
35 Эсовнинг бу хотинлари Исҳоқ билан Ривқонинг бошига кўп қора кунларни
солдилар.

27–БОБ

Исҳоқ Ёқубни дуо қилади

1 Исҳоқ қариди, кўзлари хиралашиб кўрмай қолди. Бир куни у ўғли Эсовни
чақирди:
— Ўғлим!
— Лаббай, отажон! — деб жавоб берди Эсов.
2 — Кўриб турибсан, мен қариб қолдим. Тўсатдан ўлиб қолишим мумкин.
3 Энди ёйингни, ўқларингни олиб, далага чиқ, менга биронта ҳайвонни овлаб кел.
4 Кейин мен яхши кўрадиган биронта мазали таом тайёрлаб келтир. Мен таомни
еб, ўлимимдан олдин сени дуо қилайин.
5 Исҳоқ ўғли Эсовга гапираётганда, Ривқо эшитиб турган эди. Эсов далага овга
кетганда, 6 Ривқо ўғли Ёқубга деди:
— Аканг Эсовга отангнинг айтган гапларини эшитиб қолдим. 7 Отанг унга:
“Менга биронта ҳайвон овлаб кел, мен яхши кўрадиган биронта мазали таом
тайёрлагин, таомни еб, ўлимимдан олдин Эгам олдида сени дуо қилайин”, деди.

[8] Энди менинг гапларимни яхшилаб эшит, айтганимни қил, ўғлим. [9] Сурувга бориб, менга иккита улоқчани танлаб олиб кел. Улоқчалардан отанг яхши кўрадиган мазали таом тайёрлаб берай. [10] Сен таомни отангнинг олдига олиб кириб, унга егизгин, токи отанг ўлимидан олдин сени дуо қилсин.

[11] — Онажон, ўзингиз биласиз–ку, акам Эсов сержун, менинг терим эса силлиқ, — деди Ёқуб Ривқога. [12] — Мабодо, отам мени пайпаслаб ушлаб кўрса, нима бўлади? Алдаётганимни отам билиб қолади. Отам мени дуо қилиш ўрнига лаънатлайди.

[13] — Ўша лаънат менга келсин, болагинам, — деди Ривқо. — Энди айтганимни қил, бор, улоқчаларни олиб кел.

[14] Ёқуб онасининг буйруғига итоат этиб, иккита улоқчани олиб келди. Ривқо улоқчалардан Исҳоқ яхши кўрган мазали таом тайёрлади. [15] Сўнг у Эсовнинг уйдаги яхши кийимларини олди–да, Ёқубга кийгизди. [16] Улоқчаларнинг терисини Ёқубнинг қўлларига ва бўйнининг туксиз жойларига ўради. [17] Ўзи тайёрлаган мазали таом билан нонни ўғли Ёқубнинг қўлига берди.

[18] Шундай қилиб, Ёқуб таом тўла лаганни отасининг олдига олиб кирди.

— Ассалому алайкум, отажон!

— Ва алайкум ассалом! Қайси биринг сан, ўғлим, Эсовмисан, Ёқубмисан?

[19] — Тўнғичингиз Эсовман, — деди Ёқуб отасига. — Айтганингизни қилдим, мана, овимдан сиз яхши кўрган таом тайёрладим. Туринг, еб, мени дуо қилинг.

[20] Исҳоқ ўғлига:

— Дарров топиб келдингми, ўғлим? — деди.

— Эгангиз Худо йўлимни ўнглади, — деб жавоб берди Ёқуб.

[21] Шундан кейин Исҳоқ Ёқубга деди:

— Яқинроқ кел–чи, ўғлим, ушлаб кўрай–чи, ҳақиқатан ҳам ўғлим Эсовмисан ёки йўқми, билайин.

[22] Ёқуб отасига яқинроқ борди. Исҳоқ уни пайпаслаб:

— Овоз — Ёқубнинг овози, қўллар эса Эсовнинг қўллари, — деди.

[23] Ёқубнинг қўллари Эсовнинг қўлларига ўхшаб сержун туюлгани учун Исҳоқ уни танимади. Шунинг учун Исҳоқ Ёқубни дуо қилишга чоғланди–ю, лекин яна сўради:

[24] — Сен ҳақиқатан ўғлим Эсовмисан?

— Ҳа, Эсовман, — деб жавоб берди у. [25] Шундан кейин Исҳоқ:

— Энди таомни келтир, — деди. — Таомингдан еб, сени дуо қилайин.

Ёқуб таомни отасига келтириб берди. Исҳоқ таомни еб бўлгач, Ёқуб унга шароб келтирди. Исҳоқ шаробни ҳам ичди. [26] Сўнгра Исҳоқ унга:

— Яқинроқ келиб, мени ўп, ўғлим, — деди. [27] Ёқуб яқинлашиб, отасини ўпди. Исҳоқ унинг кийимларини ҳидлаб, шундай дуо қилди:

“О, ўғлимнинг ёқимли ҳиди
Эгам марҳамат қилган
Даланинг ҳидига ўхшар.
[28] Худойим ёғдирсин сенга
Осмон шабнамини,
Берсин ернинг унумдор тупроғини,

Мўл–кўл дон ва шаробни.
29 Хизмат қилсин сенга халқлар,
Таъзим қилсин сенга эл–улуслар.
Ҳукмрон бўлгин қариндошларинг устидан,
Таъзим қилсин онангнинг насли сенга.
Сени лаънатлаган лаънати бўлсин,
Сени дуо қилган барака топсин.”

Эсов Исҳоқдан дуо сўраб илтижо қилади

30 Исҳоқ Ёқубни дуо қилиб бўлиши биланоқ, Ёқуб отаси ҳузуридан энди чиққан ҳам эдики, акаси Эсов овдан қайтиб келиб қолди. 31 У ҳам мазали таом тайёрлаб, отаси олдига олиб кирди.

— Отажон, туринг, сизга олиб келган овимнинг гўштидан еб, мени дуо қилинг.

32 — Сен кимсан? — сўради Исҳоқ ундан.

— Тўнғич ўғлингиз Эсовман, — деб жавоб берди у.

33 Исҳоқ ҳаяжондан титраб кетиб деди:

— Овидан таом тайёрлаб, менга олиб келган ким эди? Сен келмасингдан олдин, мен гўштни эндигина еб бўлган эдим! Мен уни дуо қилдим, энди дуо олган удир!

34 Эсов отасининг сўзларини эшитгач, ҳаддан ташқари қаттиқ, аччиқ нола қилди.

— Мени ҳам дуо қилинг, отажон! — деб ёлворди у отасига. 35 Лекин Исҳоқ:

— Уканг олдимга кирибди, у мени алдабди, — деди. — Сенга аталган дуони уканг олди.

36 — Унга Ёқуб деб исм қўйилгани бекорга эмас экан–да, — деди Эсов. — У мени икки марта алдади–я!* Биринчи марта тўнғичлик ҳуқуқимни олган эди*, энди эса менга аталган дуони ўғирлабди. Менга бирон‌та ҳам дуо сақлаб қўймадингизми? — деб яна сўради у.

37 — Мен Ёқубни сенинг устингдан ҳукмрон қилдим, — деди Исҳоқ Эсовга. — Унинг ҳамма қариндош–уруғларини ҳам ўзига хизматкор қилиб бердим. Дон билан шаробни ҳам унга бериб бўлдим. Сенга берадиган ҳеч нарса қолмади–ку, ўғлим!

38 — Наҳотки менга бирон‌та ҳам дуо қолдирмаган бўлсангиз?! — деб ўтинди Эсов. — Мени ҳам дуо қилинг, отажон! — деб дод солиб йиғлай бошлади.

39 Исҳоқ ўғлига шундай жавоб берди:

“Сенинг манзилинг ернинг унумдор тупроғидан нари бўлсин,
Осмоннинг шабнамидан маҳрум бўлсин.
40 Сен қиличнинг дамида яшагайсан,
Укангга хизмат қилиб ўтгайсан.
Исён кўтарганингда эса
У солган бўйинтуруқни улоқтириб ташлагайсан.”

41 Ёқуб Эсовнинг дуосини ўғирлагани учун, Эсов уни жуда ёмон кўриб қолди. Эсов ўзига ўзи: “Отамнинг куни битиб қолди, азаси ўтгандан кейин Ёқубни ўлдираман”, деди. 42 Лекин кимдир Эсовнинг ниятини Ривқога етказди. Ривқо

Ёқубни чақириб, унга:

— Эсов сени ўлдирмоқчи бўлиб, ўзига таскин бериб юрибди экан, — деди. 43 — Энди гапимга қулоқ сол. Ҳозироқ Хоронга* — Лобон акамнинг олдига жўна.
44 Аканг ғазабидан тушгунча, Лобон акамнинг ёнида юр. 45 Эсов сенинг қилмишларингни унутиб, ғазабидан тушгандан кейин, орқангдан бирортасини жўнатаман, сени қайтариб олиб келади. Бўлмаса, бир кунда акангдан ҳам, сендан ҳам айрилиб қоламан*.

Исҳоқ Ёқубни Лобоннинг ҳузурига жўнатади

46 Шундан кейин Ривқо Исҳоққа деди:

— Эсовнинг анави Хет* хотинлари дастидан жонимдан тўйдим. Агар Ёқуб ҳам ўшаларга ўхшаган бирорта Хет қизига уйланса, унда ҳаётим нима кечади?

28–БОБ

1 Шундай қилиб, Исҳоқ Ёқубни чақиртириб, уни дуо қилди ва шундай маслаҳат берди:

— Канъонлик қизларга уйланма. 2 Ҳозироқ Паддон–Орамга* — бобонг Батувалнинг хонадонига жўна. У ерда тоғанг Лобоннинг қизларидан бирортасига уйлан. 3 Қодир Худо барака бериб, сени кўпайтирсин. Сенинг наслингдан кўп халқлар келиб чиқсин. 4 Худо Иброҳимга ваъда қилган баракасини сенга ва сенинг наслингга ато қилсин. Биз ҳозир мусофир бўлиб яшаётган, Худо Иброҳимга берган шу юрт сенинг мулкинг бўлсин.

5 Шундай қилиб, Исҳоқ Ёқубни жўнатди. Ёқуб Паддон–Орамга — Орамлик* Батувалнинг ўғли, тоғаси Лобонникига кетди.

Эсов бошқа хотинга уйланади

6-7 Эсов эшитдики, отаси Ёқубни дуо қилиб, уни Паддон–Орамга жўнатибди. Ёқуб ота–онасининг гапларига итоат этиб, Паддон–Орамга кетибди. Отаси Ёқубга: “Ўша ердан уйлангин”, дебди, “Канъонлик қизларга уйланма”, деб огоҳлантирибди. 8 Канъонлик хотинлари отасига ёқмаслигини Эсов тушуниб етди. 9 Эсов амакиси Исмоилнинг хонадонига борди ва хотинлари устига, Иброҳим ўғли Исмоилнинг қизларидан бирига уйланди. Янги хотинининг исми Махалат эди. Махалатнинг Наваёт* деган акаси ҳам бор эди.

Ёқуб Байтилда туш кўради

10 Ёқуб Бершеба шаҳридан чиқиб, Хорон* томонга қараб кетди. 11 У бир жойга етиб келганда, кун ботган эди. Шунинг учун ўша ерда тунашга тўхтади. У бир тош топди–да, тошни бошининг остига қўйиб ухлагани ётди. 12 Бир пайт у тушида бир зинапояни* кўрди. Зинапоянинг пасти ерга, тепаси эса осмонга тегиб турганмиш. Худонинг фаришталари зинапоядан чиқиб, тушаётган эмишлар. 13 Зинапоянинг ёнида* Эгамиз турган эмиш. Эгамиз Ёқубга шундай дебди:

— Мен бобонг Иброҳимнинг, отанг Исҳоқнинг Худоси — Эгангман. Ҳозир сен ётган ер ўзингники бўлади. Бу ерни сенга ва сенинг наслингга бераман. 14 Сенинг наслинг ернинг қуми сингари сон–саноқсиз бўлади. Улар ғарбу шарққа, шимолу жанубга қараб ер юзига ёйилиб кетадилар. Ер юзидаги ҳамма халқлар сен ва сенинг наслинг орқали барака топади. 15 Шуни билгинки, Мен сен билан

биргаман, қаерга бормагин, Мен сени сақлайман. Шу юртга сени яна қайтариб олиб келаман. Мен сени ҳеч қачон тарк этмайман, берган ваъдаларимни охиригача бажараман.

16 Ёқуб уйғониб кетди ва: “Ҳақиқатан ҳам Эгамиз шу ерда экан, мен эса буни
билмабман”, деди. 17 У қўрқиб кетди: “Бу жой Худонинг уйи экан, самога
очиладиган дарвозанинг ўзи! Нақадар қўрқинчли–я бу жой!” деди.

18 Ёқуб саҳарда турди. Бошининг остига қўйган тошни олиб, ёдгорлик қилиб
ўрнатди. Кейин ёдгорлик тошининг устидан Худога атаб зайтун мойи қуйди.
19 Илгари бу жойнинг номи Луз эди. Ёқуб эса бу жойга Байтил* деб ном берди.
20 Сўнг Ёқуб қуйидагича қасам ичди: “Агар Худо мен билан бирга бўлса, борадиган
шу йўлимда мени асраса, менга ризқ–рўзимни ва кийим берса, 21 отамнинг
хонадонига эсон–омон қайтариб олиб келса, Эгам менинг Худойим бўлади. 22 Мен
ёдгорлик қилиб ўрнатган шу тош Худога сажда қиладиган жой бўлади. Худо менга
берган ҳамма нарсанинг ўндан бирини ушр қилиб албатта бераман.”

29–БОБ

Ёқуб Лобоннинг уйига келади

1 Ёқуб йўлида давом этиб, ниҳоят, шарқдаги юртга етиб келди. 2 У даштда бир
қудуқни узоқдан туриб кўрди. Қудуқ ёнида уч тўп пода ётарди. Чорва шу
қудуқдан суғорилар, қудуқнинг оғзи каттакон тош билан ёпиб қўйиларди.
3 Чўпонлар ҳамма қўй–эчкиларни у ерга ҳайдаб келганларидан кейин, қудуқнинг
оғзидаги тошни суришиб, қўйларни суғоришарди–да, қудуқнинг оғзини яна ўша
тош билан беркитиб қўйишарди.

4 Ёқуб чўпонларнинг олдига бориб, улардан:

— Биродарлар, қаерликсизлар? — деб сўради.

— Хоронданмиз*, — деб жавоб беришди улар.

5 — Лобон деган одамни танийсизларми? — деб сўради Ёқуб, — у Нахўрнинг
набираси бўлади.

— Ҳа, таниймиз, — деб жавоб беришди чўпонлар.

6 — Лобон тинч–омонми? — деб сўради Ёқуб.

— Яхши, — деб жавоб беришди чўпонлар. — Ана, унинг қизи Роҳила ҳам
қўйларини ҳайдаб шу ёққа келяпти.

7 — Сурувни бир жойга тўплабсизлар, лекин ҳозир пайти эмас–ку, оқшомгача
ҳали эрта! — деди Ёқуб. — Қўйларни суғориб, ўтлатгани қайтариб олиб
бормайсизларми?

8 Чўпонлар шундай жавоб беришди:

— Ҳамма сурувни бу ерга тўплаб, тошни қудуқнинг оғзидан сурганимиздан
кейингина қўйларни суғорамиз.

9 Ёқуб чўпонлар билан гаплашиб турганда, Роҳила отасининг қўйларини
ҳайдаб келиб қолди. Роҳила чўпонлик қиларди. 10 Ёқуб тоғаси Лобоннинг қизи
Роҳилани ва унинг қўйларини кўрди. Қудуқ ёнига бориб, қудуқ оғзидаги тошни
сурди–да, тоғасининг қўйларини суғорди. 11 Кейин Роҳилани ўпди,
хурсандлигидан кўзларига ёш келди.

12 — Мен отангнинг жияниман, амманг Ривқонинг ўғлиман, — деб Ёқуб ўзини

таништирди.

Роҳила югуриб бориб, отасига хабар берди.

13 Лобон, синглимнинг ўғли келибди, деб эшитди–ю, ўша заҳоти, Ёқубни кутиб олишга шошилди. Ёқуб билан қучоқлашиб кўришди. Лобон Ёқубни уйига олиб келди. Ёқуб бошидан кечирганларини тоғасига айтиб берди.

14 — Сен менинг жигаримсан, оиламнинг бир аъзосисан, — деди Лобон.

Ёқуб Лобонга Роҳила ва Леах учун хизмат қилади

Ёқуб Лобонникида бир ой тургандан кейин, 15 Лобон унга деди:

— Сен менинг қариндошим бўлсанг ҳам, текинга ишламаслигинг керак. Айт–чи, хизмат ҳақингга нима истайсан?

16 Лобоннинг икки қизи бўлиб, каттасининг исми — Леах, кичигиники — Роҳила эди. 17 Леахнинг кўзлари чиройли*, Роҳила эса ҳар жиҳатдан гўзал — юзи чиройли, қадди–қомати келишган эди. 18 Ёқуб Роҳилани севарди, шунинг учун: “Мен сизга кичик қизингиз Роҳила учун етти йил хизмат қилиб бераман”, деди.

19 Шунда Лобон унга деди:

— Майли, розиман, қизимни бегонага берганимдан кўра, сенга берганим яхши–ку. Меникида қолавер.

20 Шундай қилиб, Ёқуб Роҳилага қалин учун етти йил хизмат қилди. Лекин Ёқубнинг Роҳилага бўлган севгиси шунчалик кучли эдики, етти йил бир неча кундай туюлди.

21 Ниҳоят, Ёқуб Роҳилага уйланадиган пайт ҳам келди.

— Мен шартни бажардим, — деди Ёқуб Лобонга. — Энди қизингизга уйланишимга ижозат беринг.

22 Лобон бутун юрт аҳолисини тўплаб, зиёфат берди. 23-24 Лекин ўша куни кечаси Лобон Роҳиланинг ўрнига, тўнғич қизи Леахни Ёқубга берди. Леахга хизмат қилсин деб, Лобон ўзининг Зилпо деган чўрисини Леахга берди. Ёқуб Леахнинг ёнига кирди. 25 Ёқуб эрталаб туриб қараса, ёнида Леах ётибди!

— Бу нима қилганингиз?! — деди Ёқуб ғазабланиб Лобонга. — Мен сизга етти йил Роҳила учун хизмат қилдим–ку! Нимага мени алдадингиз?

26 — Бизнинг юртдаги одат бўйича, катта қиздан олдин кичиги турмушга берилмайди, — деб жавоб берди Лобон. 27 — Бир ҳафтада бу қизимнинг тўйи тантанаси тугайди, кутиб тур. Агар менга яна етти йил хизмат қилиб берадиган бўлсанг, хизматинг эвазига кичкинасини ҳам сенга бераман.

28 Ёқуб рози бўлди. Бир ҳафтадан кейин Ёқуб билан Леахнинг тўйи тантанаси тугади. Лобон Роҳилани ҳам Ёқубга берди. 29 Лобон ўзининг Билхах деган чўрисини қизи Роҳилага берган эди. 30 Шундай қилиб, Ёқуб Роҳиланинг ёнига кирди. У Леахдан кўра, Роҳилани кўпроқ яхши кўрарди. Ёқуб Лобонга яна етти йил хизмат қилиб берди.

Ёқубнинг фарзандлари

31 Ёқуб Леахга кўнгилсиз эканини Эгамиз кўриб турарди. Шунинг учун У Леахни туғишга қодир қилди, Роҳила эса бефарзанд ўтаверди. 32 Леах ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. У: “Эгам менинг бахтсизлигимни кўрди, энди эрим менга албатта кўнгил қўяди”, деб ўғлининг исмини Рубен* қўйди. 33 Леах ҳомиладор бўлиб, яна ўғил туғди. “Эрим менга кўнгилсизлигини Эгам эшитиб, яна бир ўғил

берди”, деб ўғлининг исмини Шимўн* қўйди. 34 Леах яна ҳомиладор бўлди ва яна ўғил туғди. У: “Эримга учта ўғил туғиб бердим, энди у албатта менга боғланиб қолади”, деб ўғлининг исмини Леви* қўйди. 35 Леах яна ҳомиладор бўлиб, яна ўғил туғди. У: “Энди Эгамга ҳамду сано айтаман”, деб ўғлининг исмини Яҳудо* қўйди. Шундан кейин у туғишдан қолди.

30–БОБ

1 Роҳила Ёқубга бола туғиб бера олмагач, энди опасига ҳасад қила бошлади.
— Менга фарзанд беринг, бўлмаса ўламан! — деди у Ёқубга.
2 Ёқуб Роҳиладан қаттиқ ғазабланди.
— Нима, мен Худоманми?! Сени бепушт қилиб яратган Худо–ку!
3 Шунда Роҳила Ёқубга деди:
— Ана, чўрим Билхахнинг ёнига киринг. У менга бола туғиб берсин, токи чўрим орқали мен ҳам болали бўлайин*.
4 Шундай қилиб, Роҳила эрига Билхахни олиб берди. Ёқуб Билхахнинг ёнига кирди. 5 Билхах ҳомиладор бўлиб, Ёқубга ўғил туғиб берди. 6 Роҳила: “Худойим мени оқлади, У менинг илтижоимни эшитиб, менга ўғил ато этди”, деб ўғлининг исмини Дан* қўйди. 7 Билхах яна ҳомиладор бўлиб, Ёқубга иккинчи ўғлини туғиб берди. 8 Роҳила: “Опам билан қаттиқ олишиб, мен ютиб чиқдим”, деб ўғлининг исмини Нафтали* қўйди.
9 Леах бола туғишдан қолганини англаб етди. Шунда у ҳам ўзининг чўриси Зилпони Ёқубга олиб берди. 10 Зилпо Ёқубга ўғил туғиб берди. 11 Леах: “Менга омад кулиб боқди”, деб ўғлининг исмини Гад* қўйди. 12 Сўнгра Зилпо Ёқубга иккинчи ўғлини туғиб берди. 13 Леах: “Нақадар бахтлиман–а! Энди аёллар мени жуда бахтли экан, деб айтишади”, дея ўғлининг исмини Ошер* қўйди.
14 Буғдой ўрими пайти эди. Бир куни Рубен далага борганда, меҳригиё ўсимлигини* топиб олиб, онаси Леахга келтирди. Роҳила: “Ўғлингнинг меҳригиёларидан менга ҳам бер”, деб илтимос қилди. 15 Лекин Леах ғазаб билан жавоб қилди:
— Эримни тортиб олганинг камлик қилдими?! Энди ўғлимнинг меҳригиёларини ҳам тортиб олмоқчимисан?!
— Ўғлингнинг меҳригиёлари эвазига бу кеча эрим сенинг ёнингга киради, унга ижозат бераман, — деди Роҳила.
16 Кечқурун Ёқуб даладан келганда, Леах унга пешвоз чиқди.
— Бу кеча менинг ёнимга киришингиз керак, — деди у эрига. — Ўғлим даладан топиб келган меҳригиёга сизни алмаштирдим.
Шундай қилиб, Ёқуб Леахнинг ёнига кирди. 17 Худо Леахнинг илтижоларига жавоб берди. У яна ҳомиладор бўлиб, Ёқубга бешинчи ўғлини туғиб берди.
18 Леах: “Чўримни эримга олиб берганим учун Худойим мени мукофотлади”, деб ўғлининг исмини Иссахор* қўйди. 19 Сўнгра у яна ҳомиладор бўлиб, Ёқубга олтинчи ўғлини туғиб берди. 20 Леах деди: “Худойим менга яхши ҳадя берди. Энди эрим мени ҳурмат қиладиган бўлади, чунки унга олтита ўғил туғиб бердим.” Шундай деб, ўғлининг исмини Забулун* қўйди. 21 Кейин Леах қиз туғиб, исмини Дина қўйди.

22 Ниҳоят, Худо Роҳилага ҳам марҳамат қилди ва унинг илтижоларига жавоб
бериб, бола туғишга қодир қилди. 23 Роҳила ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. “Худо
менга ўғил ато этиб, шармандалигимни олиб ташлади”, деди. 24 “Эгам менга яна
ўғил берсин”, деб ўғлининг исмини Юсуф* қўйди.

Ёқуб Лобон билан савдолашади

25 Роҳила Юсуфни туққандан кейин кўп ўтмай, Ёқуб Лобонга деди:

— Ижозат берсангиз, мен юртимга қайтмоқчиман. 26 Хотинларим билан
болаларимни ҳам олиб кетсам, дегандим. Ўзингиз биласиз, сизга кўп хизматим
сингган, пешана теримни тўкиб уларни топганман. Энди кетишга ижозат
берсангиз.

27 Лобон эса унга шундай жавоб берди:

— Энди илтимос қиламан, менинг гапимга қулоқ сол: фол очтириб кўрган
эдим, Эгам менга сен туфайли барака берганини билдим*. 28 Хизмат ҳақингни айт,
тўлай.

29 — Ўзингиз биласиз: узоқ йиллар давомида сизга кўп хизмат қилдим.
Мол–қўйларингиз менинг меҳнатим туфайли қанчалик кўпайганини биласиз.
30 Аслида мен келмасимдан олдин молингиз оз эди, энди эса бойлигингиз ҳаддан
зиёд кўпайди. Мен туфайли Эгам сизга ҳамма нарсада барака берди*. Энди
оиламни ўйлайдиган пайт келди.

31 — Хизмат ҳақингга нима истайсан? — деб яна сўради Лобон.

— Менга ҳеч қандай хизмат ҳақи керак эмас, — деб жавоб қилди Ёқуб. — Агар
рози бўлсангиз, бир таклифим бор. Мен қўй–эчкиларингизни боқаверай. 32 Бугун
сурувингизни оралаб, олачипор ва хол–хол қўйларингизни, қора қўзиларингизни,
эчкиларингиздан ҳам хол–холини ва олачипорини* ажратиб олай. Хизмат
ҳақимга шуларни берсангиз кифоя. 33 Агар мен ҳалол бўлмасам, сиз кейин
осонликча билиб оласиз. Менинг хизматимни текширгани келганингизда,
қўй–эчкиларимнинг орасида бирортаси ола–була, хол–хол бўлмаса, ёки
қўзиларимнинг орасида ҳам бирортаси қора бўлмаса, мени ўғри деб
ҳисоблашингиз мумкин.

34 — Яхши, сен айтгандай бўла қолсин, — деди Лобон.

35 Лобон ўша куни оқи бор хол–хол ва олачипор така ҳамда урғочи эчкиларни
сурувдан ажратиб олди, қора қўзиларни ҳам айириб олди. Ҳаммасини
ўғилларининг ихтиёрига берди. 36 Улар ўша қўй–эчкиларни Ёқуб турган жойдан
уч кунда борадиган жойга олиб кетдилар. Ёқуб эса Лобоннинг қолган
қўй–эчкиларини боқаверди.

37 Ёқуб терак, бодом ва чинор дарахтининг новдаларидан олиб, новдаларни
йўл–йўл қилиб пўстлоғини шилди. 38 Сўнгра у пўстлоғи тозаланган новдаларни
қўй–эчкиларга кўринадиган жойга — сув ичадиган охурлар ичига қўйди*. Чунки
Лобоннинг қўй–эчкиларини суғоргани олиб келганда, ҳайвонлар шу ерда
жуфтлашар эди. 39 Қўй–эчкилар оқ йўли бор новдаларни кўриб турганда
жуфтлашиб, йўл–йўл, олачипор ва хол–хол насл берарди. 40 Ёқуб Лобоннинг
бошқа қўй–эчкиларидан совлиқларини* ажратиб олди. Совлиқ қўйлар
жуфтлашаётганда, Ёқуб қўйларнинг юзини Лобоннинг сурувидаги йўл–йўл ва
қоп–қора ҳайвонларга қаратиб қўярди. Шу тариқа Ёқуб Лобоннинг

қўй–эчкиларидан ўзининг сурувини вужудга келтирди* ва Лобонникидан
алоҳида қилиб қўйди. 41 Сурувдаги соғлом урғочи қўй ёки эчкилар жуфтлашишга
тайёр бўлганда, Ёқуб пўстлоғи арчилган новдаларни ҳайвонларнинг охурига
ташлаб қўярди. Ҳайвонлар йўл–йўл новдаларни кўриб турганларида
жуфтлашардилар. 42 Лекин у нимжон ҳайвонларга шундай қилмасди. Оқибатда
Лобон нимжон қўй–эчкиларга, Ёқуб эса соғлом қўй–эчкиларга эга бўлиб қолди.
43 Шу йўл билан Ёқубнинг қўй–эчкилари тезлик билан кўпайиб борди, у жуда ҳам
бойиб кетди, кўплаб қул ва чўриларга, туя ва эшакларга эга бўлди.

31–БОБ

Ёқуб Лобонникидан қочиб кетади

1 Лобоннинг ўғиллари минғир–минғир қила бошладилар: “Ёқуб отамизни
хонавайрон қилди. У бутун бойлигини отамизнинг бойлигидан олган.” Ёқуб бу
гапларни эшитиб қолди. 2 Ёқуб сездики, Лобон унга анчагина совуқ муносабатда
бўляпти. 3 Эгамиз ҳам Ёқубга:

— Ота–боболарингнинг юртига, қариндош–уруғларингнинг олдига қайт, Мен
сен билан бирга бўламан, — деди.

4 Ёқуб яйловда қўй–эчкиларини боқаётганда, Роҳила билан Леахни шу ерга
чақиртирди. 5 Улар келгач, деди:

— Кўриб турибман, оталарингизнинг менга муносабати олдингидай эмас.
Лекин отамнинг Худоси мен билан бирга. 6 Ўзларингиз биласизлар, мен
сизларнинг отангизга кучим борича хизмат қилдим. 7 У мени алдаб, хизмат
ҳақимни ўн марта ўзгартирди. Лекин у менга зарар етказишига Худо йўл
қўймади. 8 Агар отангиз: “Сурувдаги олачипор қўй–эчкилар сенинг хизмат ҳақинг
бўлади”, деб айтган бўлса, бутун сурув олачипор бола бераверди. “Йўл–йўли
сенинг хизмат ҳақинг бўлади”, деб айтган бўлса, бутун сурув йўл–йўл бола
бераверди. 9 Худо шу йўл билан отангизнинг қўй–эчкиларини тортиб олиб, менга
берди. 10 Жуфтлашиш мавсуми пайтида бир куни туш кўрдим. Қарасам, сурувдаги
жуфтлашган такалар йўл–йўл, хол–хол ва олачипор экан. 11 Тушимда Худонинг
фариштаси: “Ёқуб!” деб чақирди. “Лаббай!” деб жавоб бердим мен. 12 Фаришта
менга айтди: “Қара, жуфтлашган такаларнинг ҳаммаси йўл–йўл, хол–хол ва
олачипор. Буларнинг ҳаммасини Мен қиляпман. Чунки Лобоннинг сенга
муносабатини кўрганман. 13 Мен Байтилда сенга зоҳир бўлган Худоман*. У ерда
сен тош устунга зайтун мойи суртиб, Менга хизмат қилиш учун қасам ичган
эдинг. Энди ҳозироқ бу юртдан кет, ўзингнинг она юртингга қайт.”

14 Шунда Роҳила билан Леах Ёқубга:

— Энди отамиздан бизга ҳеч қандай мерос тегмас экан–да, — дейишди. 15 —
Биз отамизга худди бегоналардай бўлиб қолдик. У бизни сотди, бизнинг
эвазимизга нима олган бўлса, ҳаммасини сарф қилиб бўлди*. 16 Худо отамиздан
сизга олиб берган ҳамма бойликлар бизники ва болаларимизники. Энди эса Худо
сизга нима айтган бўлса, шуни қилинг.

17-18 Шундай қилиб, Ёқуб Канъон юртига — отасининг олдига қайтиб кетишга
тайёрланди. Хотинларини ва болаларини туяларга миндирди. Қўй–эчкиларини
олдига солиб ҳайдади, Паддон–Орамда* топган ҳамма мол–мулкини олди.

19 Лобон қўйларининг жунини қирққани кетди. У йўқ пайтида Роҳила
отасининг хонаки худоларини* ўғирлаб олди. 20 Бунинг устига, Ёқуб ҳам, биз
кетяпмиз, деб Лобонга* айтмасдан, уни алдаб жўнаб қолди. 21 Ёқуб ҳамма
мол–мулкини олиб, Фурот дарёсини кечиб ўтди ва Гилад қирларига* йўл олди.

Лобон Ёқубни қувади

22 Орадан уч кун ўтгач, Лобонга: “Ёқуб қочиб кетибди” деган хабар етиб борди.
23 Лобон қариндош–уруғидан эркакларни ёнига олиб, Ёқубни қувиб кетди. Ёқубни
етти кун қувлагандан кейин, охири Гилад қирларида унга етиб олди. 24 Лекин ўша
куни кечаси Лобон туш кўрди. Тушида Худо зоҳир бўлиб: “Эҳтиёт бўл, Ёқубга
яхши–ёмон гап қилиб юрма”, деди.

25 Лобон Ёқубга етиб олганда, Ёқуб Гилад қирларида чодир тиккан эди. Лобон
ҳам қариндош–уруғлари билан Ёқубга яқинроқ жойга чодирини тикди. 26 Лобон
Ёқубга:

— Бу нима қилганинг? Мени алдаб кетибсан–ку! — деди. — Қизларимни ҳам,
худди урушдаги асиралардай, ўғирлаб кетибсан. 27 Нимага мени алдаб, ҳеч нарса
демасдан, яширинча қочиб қолдинг? Агар бир оғиз айтганингда, чилдирма, лира
чалиб, ўйин–кулги қилиб, хурсандчилик билан кузатиб қўйган бўлардим. 28 Сен
ҳатто невараларим билан қизларимни ўпиб, яхши боринглар, деб айтишимга ҳам
имкон бермадинг. Қилган ишинг — ғирт аҳмоқлик. 29 Сенга ёмонлик қилишга
кучим етади. Лекин кеча тунда отангнинг Худоси менга зоҳир бўлиб: “Эҳтиёт бўл,
Ёқубга яхши–ёмон гап қилиб юрма”, деб айтди. 30 Аҳволингни тушунаман,
отангнинг уйини соғингансан, шунинг учун кетгансан. Лекин нимага
худоларимни ўғирладинг?

31 — Қизларингизни мендан тортиб оласиз, деб ўйлаб, қўрққан эдим, — деди
Ёқуб. 32 — Лекин сизнинг худоларингизга келсак, уларни ким олган бўлса,
ўлдирилсин. Қариндошларимизнинг гувоҳлигида нарсаларингизни излаб кўринг.
Агар сизнинг нарсаларингиз бўлса, олаверинг.

Лобоннинг худоларини Роҳила ўғирлаганини Ёқуб билмас эди.

33 Лобон худоларини қидириб, аввало Ёқубнинг чодиридан излади. Кейин
Леахнинг чодирига, ундан кейин иккала чўрининг* чодирига кирди, лекин
худоларини топа олмади. Охирида Роҳиланинг чодирига кирди. 34 Роҳила
худоларни туя эгарининг ичига яшириб, ўзи эгарга ўтириб олган эди. Лобон
чодирнинг ҳамма ёғини ахтарса ҳам, худоларини топа олмади. 35 Роҳила отасига:

— Сизнинг олдингизда ўрнимдан турмаганим учун мендан жаҳлингиз
чиқмасин, отажон, — деди. — Ҳозир аёллар касалига йўлиққан пайтим.

Лобон худоларини қанча қидирмасин, топа олмади.

36 Ёқуб қаттиқ ғазабланиб, Лобонни уришиб берди:

— Айбим нима экан?! Қайси гуноҳим учун мени таъқиб қиляпсиз?! 37 Ҳамма
нарсаларимни титкилаб чиқдингиз. Энди менга кўрсатинг–чи, бирор
нарсангизни топдингизми? Топган бўлсангиз, қани, қариндош–уруғларимиз
олдига ўша нарсаларни қўйинг, иккаламиздан қайси биримиз ҳақ эканимизни
улар ҳукм қилсин! 38 Йигирма йил мен сизнинг эшигингизда бўлдим. Ана шу
даврда бионта совлиқ қўйингиз, эчкингиз чала туғиб қўймади, сурувингиздан
бионта қўчқорни еб қўймадим. 39 Ёввойи ҳайвонлар бўғизлаб ташлаганларини

сизга кўрсатмасдан, зарарни ўз бўйнимга олардим. Қўйингиз кундузи йўқолганми, ёки кечаси йўқолганми, барибир, сиз мендан талаб қилардингиз.
40 Кундузи жазирама иссиқда, кечалари совуқда, тунларни уйқусиз ўтказиб, сизга
хизмат қилдим. 41 Йигирма йил сизнинг хонадонингизда бўлдим: ўн тўрт йил —
иккала қизингиз учун, олти йил — қўй–эчкиларга эга бўлишим учун хизмат
қилдим. Хизмат ҳақимни ўн марта ўзгартирдингиз. 42 Агар бобом Иброҳимнинг
Худоси, отам Исҳоқ сажда қиладиган Худо* мен билан бўлмаганда эди, шубҳасиз,
сиз мени қуппа–қуруқ қайтарган бўлардингиз. Лекин Худо менинг
қийналганимни, оғир меҳнатимни кўрди. Шу сабабдан У ўтган кеча сизга зоҳир
бўлиб, ноҳақлигингизни айтган.

Ёқуб билан Лобон ўртасидаги аҳд

43 Шундан кейин Лобон Ёқубга деди:

— Мана бу аёллар — менинг қизларим, мана бу болалар — менинг
набираларим, қўй–эчкилар ҳам меники. Сен кўриб турган ҳамма нарса — меники.
Лекин ҳозир ўз қизларимга, набираларимга бирор нарса қила олармидим?! 44 Кел,
энди икковимиз аҳд қилайлик, токи бу аҳд икковимиз ярашганимизни
исботласин.

45 Ёқуб бир тошни олиб, ёдгорлик қилиб қўйди. 46 Кейин у
қариндош–уруғларига: “Тош тўплаб келинглар!” деди. Улар ҳам тош тўплаб, бир
уюм ҳосил қилишди ва ўша тош уюмининг ёнида тамадди қилишди. 47 Бу жой
Лобоннинг тилида Ёгар–Садуто, Ёқубнинг тилида Галед* деб аталадиган бўлди.
48 Лобон: “Бу тош уюми бугун сен билан менинг орамизда гувоҳдир”, деб бу жойни
Галед деб атайдиган бўлди. 49 Шунингдек, у: “Биз бир–биримиздан
айрилганимиздан кейин, Эгам сен билан мени кузатиб турсин”, деб бу жойни
Миспах* деб атади. Сўнг шундай деди:

50 — Агар қизларимнинг дилини оғритсанг ёки уларнинг устига хотин олсанг,
эсингда тут, ҳатто мен билмаган тақдирда ҳам, Худо кўриб туради. Унинг Ўзи сен
билан менинг ўртамизда гувоҳдир.

51 Сўнг Лобон Ёқубга яна деди:

— Икковимизнинг ўртамизда мен ўрнатган мана бу тош уюми билан устунга
қара. 52 Булар бизнинг онтимизга гувоҳ бўлиб, икковимизнинг ўртамизда
турибди. Мен сенга зарар етказиш ниятида бу тош уюмидан нарига ўтмайман, сен
ҳам менга зарар етказиш ниятида бу тош уюми ва устундан берига ўтмаслигинг
лозим. 53 Ота–боболаримизнинг Худоси — сенинг бобонг Иброҳимнинг Худоси ва
менинг бобом Нахўрнинг Худоси — ўртамизда ҳакам бўлсин.

Шундай қилиб, Ёқуб отаси Исҳоқ сажда қиладиган Худо номи билан қасам
ичди. 54 Ёқуб қурбонлик қилиб, ҳаммани зиёфатга таклиф қилди. Улар тунни
қирда ўтказишди.

55 Эртасига Лобон саҳарда турди. Қизларини, набираларини ўпиб,
ҳаммаларини дуо қилди. Сўнгра уйига қайтиб кетди.

32–БОБ

Ёқуб Эсовни кутиб олишга тайёрланади

1 Ёқуб оила аъзоларини бошлаб йўлда кетаётган эди, Худонинг фаришталари

унга пешвоз чиқдилар. 2 Ёқуб уларни кўриб: “Бу Худонинг лашкаргоҳи!” деди.
Шунинг учун бу жойга Моханайим* деб ном берди.

3 Ёқуб боришидан олдин Сеир, яъни Эдом юртида* истиқомат қилаётган акаси
Эсовга хабарчиларни юборди. 4 Ёқуб хабарчиларга шундай кўрсатма берган эди:

— Эсов ҳазратларига шундай деб айтинглар: “Қулингиз Ёқуб айтмоқдаки, у шу
пайтгача Лобоннинг хонадонида яшади. 5 Энди моллар, эшаклар, қўй–эчкилар,
қул ва чўриларга эга бўлди. Келаётганидан сизни хабардор қилиш учун бизни
юборди. Унинг умиди шуки, сиз унга меҳр–мурувват кўрсатсангиз.”

6 Хабарчилар қайтиб келиб, Ёқубга шундай дедилар: “Акангиз Эсовнинг олдига
бордик. У сизни кутиб олишга келяпти, ёнида тўрт юзта одами ҳам бор.” 7 Ёқуб бу
хабарни эшитди–ю, қўрқиб, ваҳимага тушди. Хонадонидаги одамларини,
қўй–эчкиларини, мол подаларини, туяларини икки қисмга бўлди. 8 У: “Агар Эсов
келиб, битта қисмни қириб ташласа, нариги қисми қутулиб омон қолади–ку”, деб
ўйлади.

9 Кейин Ёқуб ибодат қилди:

— Эй бобом Иброҳимнинг, отам Исҳоқнинг Худоси! Эй Эгам! Менга: “Ўз
юртингга, қариндошларинг олдига қайтиб бор, сенга муваффақият келтираман”,
деб ваъда берган эдинг. 10 Кўрсатган садоқатингга, иноятингга мен, қулинг,
лойиқ эмасман. Илгари Иордан дарёсини кечиб ўтганимда, таёғимдан бошқа ҳеч
нарсам йўқ эди. Энди оила аъзоларим икки қўрғонни тўлдирадиган бўлди.
11 Илтижо қиламан, мени Эсов акамнинг қўлидан қутқаргин. У келиб, мен билан
бирга хотинларимни, болаларимни ўлдиради, деб қўрқаман. 12 Сен эса менга:
“Сенга муваффақият келтираман, сенинг наслингни денгиздаги қумдек
кўпайтираман, кўплигидан наслингни санаб бўлмайди”, деб ваъда берган эдинг.
Илтижо қиламан, ваъдангни ёдингда тут.

13-15 Ёқуб тунни ибодат қилган ўша жойда ўтказди. Кейин сурувидан акаси
Эсовга икки юзта она эчки, йигирмата така, икки юзта совлиқ ва йигирмата
қўчқор, ўттизта соғин туяни бўталоқлари билан, қирқта сигир ва ўнта буқа,
йигирмата моча эшак ва ўнта эркак эшакни ҳадя қилиш учун танлаб олди. 16 Ёқуб
бу ҳайвонларни подаларга бўлиб, хизматкорларига топширар экан, уларга
шундай деди:

— Мендан олдин юринглар, ҳар бир поданинг орасида бўш масофа
қолдиринглар.

17 Энг олдинги подани ҳайдаб бораётган хизматкорига у шундай кўрсатма
берди:

— Эсов акам сени учратиб қолиб: “Кимнинг хизматкорисан? Қаерга кетяпсан?
Олдингдаги пода кимники?” деб сўраганда, 18 сен: “Бу подалар қулингиз
Ёқубники, буларни сиз, тўрамга ҳадя қилиб юбордилар, ўзлари ҳам орқамизда
келяптилар”, деб айтгин.

19 Ёқуб подани ҳайдаб бораётган иккинчи, учинчи, хуллас, ҳамма
хизматкорларига ҳам бир хил кўрсатма бериб:

— Эсовни учратиб қолганингизда, ўша гапларимни айтинглар, — деди.
20 “Қулингиз Ёқуб орқамизда келяптилар”, деб албатта айтинглар, — деб
таъкидлади. Чунки Ёқуб: “Ўзимдан олдин юборган ҳадяларим билан Эсов
акамнинг кўнглини юмшатаман, у билан юзма–юз учрашганимизда, мени кечирса

ажабмас”, деб умид қилаётган эди. 21 Шундай қилиб, Ёқуб ўзи боришидан олдин,
ҳадяларни жўнатиб юборди ва бу кечани чодир тиккан жойда ўтказди.

Ёқуб Паниёлда кураш тушади

22 Ўша куни тунда Ёқуб ўрнидан турди. Иккала хотинини, иккала чўрисини*,
ўн битта боласини Явоқ дарёси* кечувидан ўтказди. 23 Улар дарёнинг нариги
қирғоғига ўтиб бўлганларидан кейин, бутун мол–мулкини ҳам ўтказди. 24 Ёқуб
дарёнинг бу томонида ёлғиз ўзи қолди. Ўша ерда бир одам билан тонг отгунча
курашди. 25 Ўша одам кўрдики, Ёқубни мағлуб қила олмас экан. Бир пайт у
Ёқубнинг бўксасига* бир урган эди, сони бўғинидан чиқиб кетди.

26 — Мени қўйиб юбор, тонг отяпти, — деди ўша одам.

— Мени дуо қилмасанг, кеткизмайман, — ҳансираб деди Ёқуб.

27 — Исминг нима? — деб сўради ўша одам.

— Ёқуб, — деб жавоб берди у.

28 — Бундан кейин сенинг исминг Ёқуб эмас, Исроил* бўлсин, — деди ўша
одам. — Чунки сен Худо ва инсонлар билан олишиб, ғолиб чиқдинг.

29 — Илтимос, исмингни айт! — деди Ёқуб.

— Нимага Менинг исмимни сўраяпсан? — деб сўради ўша одам. Шундай
деди–ю, у Ёқубни дуо қилди. 30 Ёқуб: “Худо билан юзма–юз бўлибман–у, ҳаётим
сақланиб қолибди–я”*, деб бу жойга Паниёл* деган ном берди. 31 Ёқуб Паниёлдан*
кетаётганда, қуёш чиққан эди. Сони оғриётгани учун у оқсоқланиб юрарди. 32 Ўша
одам Ёқубнинг бўксасига ургани сабабли, Исроил халқи ўша тунда юз берган
воқеанинг хотири учун бугунгача* соннинг пайини емайди.

33–БОБ

Ёқуб билан Эсов учрашади

1 Ёқуб қараса, Эсов келаётган экан, ёнида тўрт юзта одами ҳам бор. Ёқуб
болаларини Леахга, Роҳилага ва иккала чўрисига* тақсимлади. 2 Чўрилари билан
уларнинг болаларини энг олдинга, Леах билан унинг болаларини улардан кейин,
Роҳила билан Юсуфни эса охирига қўйди. 3 Ёқубнинг ўзи уларнинг олдида борди.
Акасининг олдига етиб боргунча етти марта эгилиб таъзим қилди.

4 Эсов ҳам укасини кутиб олгани югуриб бориб, уни қучоқлаб олди. Ёқубнинг
бўйнига осилиб, ўпди. Иккови ҳам йиғлар эди. 5 Эсов аёлларга ва болаларга қараб:

— Ёнингдаги бу одамлар сенга ким бўлади? — деб сўради.

— Мен, қулингизга Худо иноят қилиб берган болаларим, — деди Ёқуб.

6 Шундан кейин чўрилар билан уларнинг болалари Эсовнинг олдига келишиб,
унга эгилиб таъзим қилдилар. 7 Улардан кейин Леах билан унинг болалари яқин
келиб, эгилиб таъзим қилишди. Охирида Юсуф билан Роҳила яқин келиб, эгилиб
таъзим қилдилар.

8 — Менга сурувлару подалар жўнатибсан, бундан мақсадинг нима эди? — деб
сўради Эсов.

— Ҳазратимнинг илтифотига сазовор бўлишим учун ҳадя қилиб юборган
эдим, — деб жавоб берди Ёқуб.

9 — Раҳмат, ука, ўзимники жуда кўп, ўзингники ўзингга буюрсин, — деди Эсов.

10 — Йўқ, илтимос, агар мени илтифотингизга сазовор билсангиз,

ҳадяларимни оласиз, — деб туриб олди Ёқуб. — Сиз мени шундай яхши кутиб олдингизки, мен учун сизнинг юзингизни кўриш — Худонинг юзини кўришга ўхшайди. 11 Илтимос қиламан, ҳадяларимни олинг. Худо менга иноят қилиб, керакли ҳамма нарсани берди.

Ёқуб қаттиқ илтимос қилавергандан кейин, охири, Эсов ҳадяларни олишга рози бўлди.

12 — Қани, энди кетайлик, мен сенга йўл кўрсатиб бораман.

13 Ёқуб эса шундай деди:

— Ўзингиз кўриб турибсиз, ҳазратим, болаларим чиниқмаган, қўй–сигирларим ҳам болалаган. Қўй–сигирларимни бир кунгина қистаб ҳайдасалар, бутун чорва нобуд бўлади. 14 Шунинг учун мендан олдинда кетаверсангиз. Мен чорванинг юришига ва болаларнинг қадамига қараб секин бораверaман. Сиз билан Сеир юртида* учрашамиз.

15 — Бўпти, бўлмаса, одамларимдан баъзиларини сен билан қолдирай, ҳам сизларга йўл кўрсатиб боради, ҳам қўриқлаб кетади, — деди Эсов.

— Нима қиласиз овора бўлиб?! Менга кўп меҳрибонлик кўрсатяпсиз, шунга ҳам раҳмат.

16 Эсов ўша куни Сеирга қайтиб кетди. 17 Ёқуб эса оиласи билан Сухотга қараб кетди. У ерда ўзига бир уй, чорваси учун қўралар қурди. Шунинг учун бу жойга Сухот* деб ном берилди.

18 Шундай қилиб, Ёқуб Паддон–Орамдан* Канъон юртидаги Шакам шаҳрига* эсон–омон қайтиб келди. Шаҳар ташқарисида чодирларини тикди. 19 У чодир тиккан жойлар Хамўр деган одамнинг ўғилларига қарашли мулк эди. Хамўр Шакамнинг отаси эди. Ёқуб бу жойларни Хамўрнинг ўғилларидан юз бўлак кумушга* сотиб олди. 20 Бу ерда у қурбонгоҳ қуриб, бу жойни “Худо Исроилнинг Худосидир”* деб атади.

34–БОБ

Динанинг номуси булғанади

1 Бир куни Ёқуб ва Леахнинг қизи Дина шу ерлик қизларни кўришга борди. 2 Бу ернинг беги Хамўр бўлиб, у Хив уруғидан эди. Хамўрнинг ўғли Шакам қизни кўриб қолиб, ушлади ва унинг номусига тегди. 3 Шакам Динани қаттиқ севиб қолди, қизнинг севгисини қозонишга ҳаракат қилди. 4 Отасига: “Шу қизни менга олиб беринг”, деб айтди.

5 Ёқуб қизининг номуси топталганини эшитди. Ёқубнинг ўғиллари эса далада мол–қўйларини боқиб юрган эдилар. Улар қайтиб келгунларича Ёқуб ўзини босиб турди. 6 Шакамнинг отаси Хамўр бу иш юзасидан гаплашгани Ёқубнинг олдига келди. 7 Шу пайтда Ёқубнинг ўғиллари даладан келиб қолишди. Сингиллари шарманда бўлганини эшитишди–ю, қаттиқ ғазабланиб, тутақиб кетдилар. Шакам Ёқубнинг қизини булғаб, Исроилда шармандали иш қилган эди. Бундай иш ҳеч бўлмаслиги керак эди.

8 Хамўр уларга:

— Ўғлим Шакамнинг қизингизга ишқи тушиб қолибди, илтимос, қизингизни ўғлимга берсангизлар, — деди. 9 — Бир–биримиз билан қуда–андачилик

қилайлик, қизларингизни ўғилларимизга олиб берайлик, ўғилларингизга қизларимизни олиб беринглар. 10 Шунда юртимизда биз билан бирга, хоҳлаган еringизда яшайверасизлар, бемалол савдо–сотиқ қилаверасизлар*, ерларимиздан ўзларингизга мулк орттирасизлар.

11 Шакам ҳам Динанинг отаси билан акаларига илтимос қилиб, деди:

— Менга мурувват қилинглар, Динани менга беринглар, эвазига истаган нарсаларингизни бераман. 12 Қанча қалин ёки совға талаб қиласизлар — мен учун аҳамияти йўқ, бераман. Фақат қизингизга уйлансам бўлди.

13 Шакам Динани шарманда қилгани учун, Шакам билан Хамўрни Динанинг акалари алдадилар. 14 Улар Шакам билан Хамўрга дедилар:

— Синглимизни қандайдир суннатсиз одамга беролмаймиз. Агар берсак, биз иснодга қоламиз*. 15 Биз фақат бир шарт билан рози бўламиз: ҳамма эркакларингиз бизга ўхшаб суннат қилинишлари керак. 16 Шунда биз қизларимизни сизларга берамиз, сизларнинг қизларингизни оламиз. Сизларнинг орангизда яшаб, сизлар билан бир халқ бўламиз. 17 Лекин бизнинг шартимизга кўнмасдан, суннат қилинмасангизлар, синглимизни* олиб кетамиз.

18 Уларнинг гапига Хамўр билан Шакам бажонидил рози бўлишди. 19 Шакам Динага хуштор бўлиб қолганидан, бу талабни бажаришни тезлаштирди. У оиласида ҳурматга сазовор, энг обрўли одам эди. 20 Хамўр билан Шакам шаҳар дарвозасига* келиб, шаҳарнинг оқсоқолларига шундай дейишди:

21 — У одамлар — бизнинг дўстларимиз. Улар бизнинг юртимизда яшаб, савдо–сотиқ қилаверсинлар. Юртимиз кенг, уларга ҳам етади. Шунда бир–биримиз билан қиз олиб, қиз беришамиз. 22 Улар фақат бир шарт билан бизнинг орамизда яшаб, биз билан бир халқ бўлишга рози: орамиздаги ҳамма эркаклар, улар сингари, суннат бўлишлари керак экан. 23 Агар биз шундай қилсак, уларнинг ҳамма қўй–эчкилари, мол–мулки бизники бўлади. Келинглар, уларнинг айтганларига рози бўлайлик, токи улар бизнинг орамизда яшаб қолишсин.

24 Шаҳар дарвозасига борганлар Хамўр билан унинг ўғли Шакамнинг гапларини эшитгач, рози бўлдилар. Бутун шаҳар эркаклари суннат қилиндилар.

25 Орадан уч кун ўтди. Шаҳарнинг ҳамма эркаклари суннат қилинганлари учун ҳали ҳам оғриб ётган эдилар. Ёқубнинг икки ўғли — Динанинг акалари Шимўн билан Леви* қиличларини олдилар ва бамайлихотир шаҳарга кирдилар. Шаҳардаги ҳамма эркакни ўлдирдилар. 26 Хамўр билан унинг ўғли Шакамни ҳам ўлдириб, Шакамнинг уйидан Динани олиб кетдилар. 27 Ёқубнинг қолган ўғиллари, синглимизни шарманда қилганлари учун қасос оламиз деб, жасадларни талаб, шаҳарни талон–тарож қилдилар. 28 Улар шаҳардаги ва далалардаги жамики қўй–эчкиларни, мол подаларини, эшакларни олиб кетдилар. 29 Шаҳар халқининг ҳамма бойликларини, уйларидаги ҳамма нарсасини ўлжа қилиб, болаларини ва аёлларини асир қилиб олиб кетдилар. 30 Шунда Ёқуб Шимўн билан Левига деди:

— Сизлар бошимга бало келтирдингиз. Энди бу юртдаги Канъон ва Париз халқлари, қолаверса, ҳамма мени ёмон кўради. Биз озчилик бўлсак, ахир. Улар биргалашиб ҳужум қилиб қолгудек бўлса, ҳаммамиз қирилиб кетамиз–ку!

31 Шунда ўғиллари:

— Синглимизга фоҳишадай муомала қилишларига йўл қўймаймиз! — деб эътироз билдирдилар.

35–БОБ

Худо Байтилда Ёқубга марҳамат қилади

1 Худо Ёқубга деди:

— Қани, отлан, Байтилга кўчиб бор, ўша ерда жойлашиб, Менга атаб
қурбонгоҳ ўрнат. Сен аканг Эсовдан қочиб кетаётганингда, Мен у ерда сенга
зоҳир бўлган эдим*.

2 Ёқуб хонадонидагиларга ва ёнидагиларга айтди:

— Бегона худоларингизни йўқотинглар, ўзларингизни поклаб, тоза
кийимларингизни кийинглар. 3 Энди бу ердан кетиб, Байтилга борамиз. У ерда
мен Худога қурбонгоҳ қураман. Кулфатда қолганимда, Худо менга мадад берган
эди. Қаерга борсам, У мен билан бирга бўлди.

4 Ҳаммалари бегона худоларини, зиракларини* Ёқубга беришди. Ёқуб бу
нарсаларни Шакам яқинидаги эман дарахтининг* остига кўмди.

5 Ёқуб хонадонидагиларини бошлаб йўлга тушганда, Худо бутун атрофдаги
шаҳарлар аҳолисига қўрқув юборди. Шунинг учун ҳеч ким уларни таъқиб
қилмади. 6 Ниҳоят, Ёқуб бутун хонадон аҳлини бошлаб Луз шаҳрига етиб келди.
(Луз ҳозир Байтил деб юритилади.) 7 Ёқуб бу ерда бир қурбонгоҳ қуриб, бу жойни
Байтилнинг Худоси* деб атади. Ёқуб акасидан қочиб кетаётганда, Худо Ўзини
унга шу ерда зоҳир қилган эди.

8 Шу орада Ривқонинг энагаси Добира вафот этди*. Уни Байтилнинг ёнидаги
эман дарахти остига дафн қилдилар. Ўшандан буён бу дарахт Йиғи дарахти* деб
юритилади.

9 Ёқуб Паддон–Орамдан* қайтиб келгандан кейин, Худо унга яна зоҳир бўлди
ва унга марҳамат кўрсатиб, деди: 10 “Сенинг исминг Ёқуб, лекин бундан кейин
сени Ёқуб* деб чақирмайдилар, сенинг исминг Исроил* бўлади.” Шунинг учун у
Исроил деб ном олди.

11 Худо шундай деди:

— Мен Қодир Худоман, баракали бўл, наслинг кўп бўлсин. Буюк халқ, ҳатто
кўп халқлар сендан пайдо бўлади. Сен шоҳларнинг бобоси бўласан. 12 Мен
Иброҳимга ва Исҳоққа ваъда қилган юртни сенга бераман. Сендан кейин бу ерни
наслингга бераман.

13 Шундан кейин Худо Ёқубга гапирган жойидан кетди. 14 Ёқуб ўша жойга
ёдгорлик тоши ўрнатди. Сўнгра ёдгорлик тоши устига Худога атаб шароб ва
зайтун мойи қуйди. 15 Ёқуб бу жойга Байтил* деб ном берди.

Роҳила вафот этади

16 Ёқуб билан унинг оиласи Байтилдан чиқиб, Эфрат томон йўл олдилар. Улар
Эфратга ҳали етиб бормасдан, Роҳиланинг кўзи ёрийдиган пайти келди, уни
қаттиқ тўлғоқ тутиб қолди. 17 Роҳила тўлғоқдан кўп азоб чеккандан кейин,
ниҳоят, дояси: “Қўрқма, яна ўғил туғдинг”, деди. 18 Роҳила жон бераётганда,
охирги нафасда ўғлининг исмини Бенўн деб қўйди. Отаси эса унга Бенямин* деб
исм қўйди. 19 Шундай қилиб, Роҳила вафот этди ва Эфрат йўлида дафн қилинди.
(Эфрат ҳозир Байтлаҳм* деб юритилади.) 20 Ёқуб Роҳиланинг қабрига ёдгорлик
тоши ўрнатди. Бу тош шу кунгача* бор.

21 Шундан кейин Ёқуб* яна кўчиб, Эдер минораси ортида чодирини тикди.

Ёқубнинг ўғиллари

22 Ёқуб ўша ерда яшаётганда, Рубен отасининг чўриси* Билхахнинг ёнига
кирди*. Ёқуб буни эшитиб қолди.
Ёқубнинг ўн иккита ўғли бор эди:

23 Леах туққан ўғиллари — Рубен (Ёқубнинг тўнғич ўғли), Шимўн, Леви,
Яҳудо, Иссахор ва Забулун.
24 Роҳила туққан ўғиллари — Юсуф билан Бенямин.
25 Роҳиланинг чўриси Билхах туққан ўғиллари — Дан билан Нафтали.
26 Леахнинг чўриси Зилпо туққан ўғиллари — Гад билан Ошер.

Ёқубнинг Паддон–Орамда туғилган ўғиллари ана шулар эди.

Исҳоқ вафот этади

27 Ёқуб Мамрега — Хират–Арбага отасининг уйига келди. (Хират–Арба ҳозир
Хеврон деб юритилади.) Иброҳим ва Исҳоқ Хевронда истиқомат қилган эдилар.
28 Исҳоқ 180 йил умр кўрди. 29 У кексайиб, ёшини яшаб оламдан ўтди. Ўғиллари
Эсов билан Ёқуб уни дафн қилишди.

36–БОБ

Эсовнинг насл–насаби

1 Эсовнинг насл–насаби тарихи қуйидагичадир (у Эдом исми билан таниқли):

2 Эсов Канъонлик қизларга уйланган эди. Биринчи хотинининг исми Оида
бўлиб, Хет халқидан Элўн деганнинг қизи эди. Иккинчисиники Охолибом бўлиб,
Хив халқидан Анаҳ деганнинг қизи эди. Бобосининг исми Зибўн эди. 3 Учинчи
хотинининг исми Босимат бўлиб, Исмоилнинг қизи эди. Қизнинг Наваёт деган
акаси бор эди. 4 Оида Эсовга Элифазни, Босимат Рувелни, 5 Охолибом эса Ёуш,
Ялом ва Кўрахни туғиб берди. Эсовнинг Канъон юртида туғилган ўғиллари ана
шулардир.
6 Сўнгра Эсов хотинларини, болаларини, хонадонидаги ҳамма одамларини,
подасию сурувларини, Канъон юртида топган жамики бойликларини олиб, укаси
Ёқубдан узоқроқ ерга кўчиб кетди. 7 Икковининг подалари ва сурувлари бениҳоя
кўп бўлганидан, ер торлик қилиб қолган эди. 8 Шунинг учун Эсов, яъни Эдом, Сеир
тоғларига* бориб ўрнашди.
9 Сеир тоғларидаги Эдом халқининг ота–бобоси Эсовнинг насл–насаби мана
булардир:

10 Эсовнинг хотинлари Оида ва Босимат туққан ўғиллари қуйидагилардир:
Оида Элифазни туғди, Босимат Рувелни туғди.
11 Элифаз беш ўғил кўрди: Темон, Ўмар, Зафў, Гатам ва Ханаз. 12 Элифазнинг
чўриси* Тимна ҳам унга ўғил туғиб, исмини Омолек қўйди. Эсовнинг
хотини Оиданинг набиралари ана шулар эди.
13 Рувел тўрт ўғил кўрди: Нахат, Зерах, Шаммох ва Миззо. Булар Эсовнинг

хотини Босиматнинг набиралари эди.
14 Эсовнинг учинчи хотини Анаҳнинг қизи Охолибом унга уч ўғил туғиб
берди. Ўғилларининг исми Ёуш, Ялом ва Кўрах эди.

15 Эсовнинг ўғиллари ва набиралари қуйидаги уруғларнинг йўлбошчилари
бўлдилар:

Эсовнинг тўнғич ўғли Элифазнинг ўғиллари қуйидаги уруғларнинг
йўлбошчилари бўлдилар: Темон, Ўмар, Зафў, Ханаз, 16 Кўрах, Гатам ва
Омолек уруғлари. Эдом юртидаги бу уруғлар Эсовнинг хотини Оидадан
келиб чиққан эди.
17 Эсов ўғли Рувелнинг ўғиллари қуйидаги уруғларнинг йўлбошчилари
бўлдилар: Нахат, Зерах, Шаммох ва Миззо уруғлари. Эдом юртидаги бу
уруғлар Эсовнинг хотини Босиматдан пайдо бўлган эди.
18 Эсовнинг хотини Охолибомнинг ўғиллари қуйидаги уруғларнинг
йўлбошчилари бўлдилар: Ёуш, Ялом ва Кўрах уруғлари. Охолибомнинг
отаси Анаҳ эди.

19 Эсов, яъни Эдомдан келиб чиққан уруғларнинг ҳаммаси ана шулардир.

Эдомнинг туб аҳолиси

20-21 Эдом юртининг туб аҳолиси қабилаларга бўлинган эди. Бу қабилаларнинг
ота–бобоси Сеир деган одам бўлиб, у Хорим халқидан эди. Сеирнинг қуйидаги
насллари уруғларга асос солди:

Лўтон, Шўвал, Зибўн, Анаҳ, Дишон, Эзер ва Дишан.
22 Лўтоннинг ўғиллари исми Хўри ва Хўмам* эди. Лўтоннинг Тимна деган
синглиси ҳам бор эди.
23 Шўвалнинг ўғиллари исми Элиён*, Монахат, Эбал, Шафо ва Ўнам эди.
24 Зибўннинг ўғиллари исми Оё ва Анаҳ эди. Анаҳ отаси Зибўннинг
эшакларини боқиб юрганда, саҳрода иссиқ булоқлар* топган эди.
25 Анаҳнинг Дишон деган ўғли ва Охолибом деган қизи бор эди.
26 Дишоннинг ўғиллари исми Хамдон, Эшбон, Йитрон ва Херон эди.
27 Эзернинг ўғиллари исми Билхан, Завон ва Оқон эди.
28 Дишаннинг ўғиллари исми Уз ва Орон эди.

29 Шундай қилиб, қуйидагилар Хорим халқи уруғларининг йўлбошчилари бўлди:
Лўтон, Шўвал, Зибўн, Анаҳ, 30 Дишон, Эзер ва Дишан. Хорим халқининг уруғлари
Сеир юртида яшаган уруғ йўлбошчилари номи билан юритилган.

Эдом шоҳлари

31 Ҳали Исроилда шоҳлар бўлмасдан олдин ҳам, Эдомда шоҳлар ҳукмронлик
қилган эди. Бу шоҳлар қуйидагилардир:

32 Бавўр ўғли Белах, у Динхаба шаҳридан эди.
33 Белах вафот этгач, унинг ўрнига Зерах ўғли Йўвов шоҳ бўлди. У Бозрах
шаҳридан эди.

34 Йўвов вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Хушом шоҳ бўлди. У Темон
юртидан эди.
35 Хушом вафот этгач, унинг ўрнига Бадад ўғли Ҳадад шоҳ бўлди. У Обит
шаҳридан эди. Ҳадад Мўаб юртида Мидиён лашкарини қириб ташлаган
эди.
36 Ҳадад вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Самло шоҳ бўлди. У Масрихо
шаҳридан эди.
37 Самло вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Шовул шоҳ бўлди. У Фурот
дарёси* бўйидаги Рехобўт шаҳридан эди.
38 Шовул вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Ахбор ўғли Баалханон шоҳ
бўлди.
39 Баалханон вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Ҳадад* шоҳ бўлди. У Поғу
шаҳридан эди. Ҳададнинг хотини Махитавал эди, Махитавалнинг отаси
— Матрид, бобоси Мезахаб эди.

40 Эсов уруғларининг йўлбошчилари номлари қуйидагичадир: Тимно, Элво,
Етет, 41 Охолибом, Элох, Пинон, 42 Ханаз, Темон, Мивзар, 43 Махдиёл ва Иром. Эдом
халқининг ота–бобоси Эсов уруғларининг номлари ана шулардир. Ҳар бир уруғ
ўзи эгаллаган ҳудудга ўзининг номини берган.

37–БОБ

Юсуф ва унинг акалари

1 Исҳоқ вафот этгандан кейин, Ёқуб яна Канъон юртида — отаси яшаган юртда
ўрнашди. 2 Ёқубнинг хонадони тарихи қуйидагичадир:

Юсуф ўн етти ёшга кирганда, кўпинча ўгай акалари — Билхах ва Зилпонинг
ўғиллари* билан бирга отасининг қўй–эчкиларини боққани борар эди. Юсуф
акалари қилаётган баъзи ёмон ишлардан отасини хабардор қилиб турар эди.
3 Ёқуб* Юсуфни қариган чоғида кўргани учун бошқа ўғилларига қараганда кўпроқ
яхши кўрар эди. Ёқуб Юсуфга беқасам чопон* олиб берди. 4 Акалари кўрдиларки,
оталари Юсуфни улардан ортиқ яхши кўрар экан. Шунинг учун акалари Юсуфни
ёмон кўриб қолдилар, унга яхши гапирмасдилар.
5 Кунларнинг бирида Юсуф туш кўрди. У акаларига тушини айтиб берганда,
акалари Юсуфни баттар ёмон кўриб қолдилар. 6 Юсуф акаларига шундай деди:
— Қулоқ солинглар, кўрган тушимни сизларга айтиб берай. 7 Биз далада
буғдой боғлаётган эканмиз. Бирдан менинг боғламим кўтарилиб, тик турди.
Сизларнинг боғламларингиз менинг боғламимни ўраб олиб, таъзим қилаётган
эмиш.
8 — Эҳ–ҳа, сен ҳали бизнинг устимиздан шоҳ бўлмоқчимисан, сен–а?! — деб
акалари киноя билан ундан сўрашди. Кўрган тушини айтиб бергани учун акалари
уни яна ҳам ёмон кўриб қолишган эди.
9 Кейинроқ Юсуф яна туш кўрди ва тушини акаларига айтиб берди:
— Қаранглар, яна туш кўрибман. Тушимда қуёш, ой ва ўн битта юлдуз менга
таъзим қилиб турган эмиш.

10 Лекин Юсуф тушини отаси билан акаларига айтиб берганда, отаси унга танбеҳ берди:

— Қанақа туш кўрдинг ўзи?! Мен, онанг, акаларинг сенинг олдингга келиб, тиз чўкишимиз керак экан–да?!

11 Акалари Юсуфга ҳасад қилишарди. Лекин отаси бу воқеани доимо эсида тутди.

Юсуфни акалари сотиб юборишади

12 Бир куни Юсуфнинг акалари оталарининг қўй–эчкиларини боқиш учун Шакамга* кетишди. 13 Ёқуб Юсуфга:

— Акаларинг Шакамда қўй–эчкиларни боқишяпти, — деди. — Сени акаларинг олдига юборсам, дегандим.

— Хўп бўлади, отажон, — деди Юсуф.

14 — Бориб бил–чи, акаларинг тинч–омон юришибдимикан, қўй–эчкиларнинг аҳволи яхшимикан, — деди Ёқуб, — кейин менга хабарини олиб кел.

Шундай қилиб, Ёқуб Юсуфни Хеврон водийсидан йўлга жўнатди.

Юсуф Шакамга етиб келди. 15 Ўша атрофда айланиб юрган эди, бир одам уни кўриб қолди.

— Нимани излаб юрибсан? — деб сўради ҳалиги одам.

16 — Акаларимни излаб юрибман, — деди Юсуф. — Мабодо билмайсизми, қўй–эчкиларни қаерда боқиб юришибди экан?

17 — Улар бу ердан кетишган, — деди ўша одам. — Акаларинг, Дўтанга* борамиз, деб айтганларини эшитган эдим.

Юсуф акаларини излаб Дўтанга кетди. Уларни ўша ердан топди. 18 Улар узоқдан Юсуфни кўришди. Юсуф келмасдан олдин, акалари уни ўлдириш учун фитна тайёрлаб қўйдилар. 19 Улар бир–бирларига:

— Ана, туш кўрувчи келяпти, — дейишди. 20 — Келинглар, уни ўлдириб, чуқур сардобага ташлаймиз. Уни ёввойи ҳайвон еб кетди, деб гап тарқатамиз. Ўшанда кўрамиз унинг тушлари ҳақиқатга айланишини!

21 Лекин Рубен Юсуфни уларнинг қўлидан қутқармоқчи бўлди:

— Унинг жонига қасд қилмайлик, 22 — деди Рубен, — қон тўкмайлик. Уни анави сардобага тириклайин ташлаб юбора қолайлик. Зинҳор унга қўл теккизмайлик.

Рубен Юсуфни уларнинг қўлидан қутқариб, отаси ёнига қайтармоқчи эди.

23 Шундай қилиб, Юсуф етиб келгач, акалари унинг беқасам чопонини ечиб олдилар–да, 24 ўзини сардобага ташлаб юбордилар. Сардоба сув сақлаш учун фойдаланиларди–ю, ўша пайтда қуруқ эди.

25 Шундан кейин улар овқатланиб ўтиришган эди, узоқдан шу томонга келаётган туялар карвонини кўриб қолишди. Карвон Исмоилий савдогарлари бўлиб, туяларга Гиладдан хушбўй зираворлар, мумиё, мирра* юклаб, Мисрга олиб кетишаётган эди. 26 Шунда Яҳудо ака–укаларига деди:

— Укамизни ўлдириб, қонини яширганимиз билан бирор фойда топармидик?! 27 Яхшиси, анави савдогарларга сотайлик. Шунда унинг ўлимида жавобгар бўлиб қолмаймиз. Нима бўлганда ҳам, у укамиз, жигаримиз–ку!

Ҳамма ака–укалари рози бўлишди. 28 Исмоилий* савдогарлари ўтиб

кетишаётганда, Юсуфни акалари сардобадан тортиб чиқардилар ва уни йигирма бўлак кумушга* сотдилар. Савдогарлар Юсуфни Мисрга олиб кетдилар.

29 Бир пайт Рубен сардоба олдига қайтиб келиб қараса, сардобада Юсуф йўқ. Рубен қайғудан кийимларини йиртди. 30 У укалари олдига қайтиб келди ва:

— Бола у ерда йўқ! Энди нима қиламан–а! — деб йиғлади. 31 Сўнг улар бир эчкини сўйиб, Юсуфнинг чопонини эчкининг қонига ботирдилар. 32 Улар беқасам чопонни оталарига олиб келдилар.

— Мана бу чопонни даладан топиб олдик. Қаранг–чи, бу Юсуфнинг чопонимикан ёки йўқми?

33 Ёқуб Юсуфнинг чопонини таниди.

— Эвоҳ! Бу ўғлимнинг чопони–ку! Юсуф ўғлимни бирорта ёввойи ҳайвон еган! Ўғилгинам тилка–пора бўлган!

34 Ёқуб қайғудан кийимларини йиртиб, қанорга ўранди*. Ўғли учун узоқ вақт аза тутди. 35 Ўғиллари, қизлари унга тасалли беришга ҳаракат қилишарди. Лекин у тасалли топишни истамасди. “Ўликлар диёрига*, ўғлимнинг олдига боргунимча аза тутаман”, деб айтарди. Шундай қилиб, Ёқуб ўғлига аза тутаверди.

36 Шу орада Исмоилий савдогарлари Юсуфни Мисрда Пўтифар деган одамга сотишди. Пўтифар Миср шоҳи — фиръавннинг аъёнларидан бири — сарой қўриқчиларининг бошлиғи эди.

38–БОБ

Яҳудо ва Тамара

1 Шу орада Яҳудо ака–укаларидан ажралиб, алоҳида бўлди ва Адуллам шаҳрига* кўчиб келди. У Хирах деган одамга яқин жойга ўрнашди. Хирах ўша ерлик эди. 2 Яҳудо бу ерда Канъон халқидан бўлган бир қизни учратиб қолди. Бу қиз Шуво деган одамнинг қизи эди. Яҳудо ўша қизга уйланди. 3 Ўша аёл ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Яҳудо ўғлига Ғур деб исм қўйди. 4 Яҳудонинг хотини яна ҳомиладор бўлиб, иккинчи ўғлини туғди. Бу ўғлига Ўнан деб исм қўйди. 5 Яҳудонинг хотини учинчи ўғлини туғди ва унга Шело деб исм қўйди. Бу ўғли туғилганда, Яҳудо Хазиб шаҳрида эди. 6 Тўнғич ўғли Ғур улғайгач, Яҳудо уни Тамара деган қизга уйлантирди. 7 Лекин Ғур Эгамизнинг олдида қабиҳлик қиларди. Охири, Эгамиз унинг жонини олди. 8 Шундан кейин Яҳудо Ўнанга айтди:

— Сен акангнинг хотинига уйланиб, қайнағалик бурчингни бажар, токи акангга зурриёт қолсин*.

9 Лекин Ўнан билардики, туғиладиган бола ўзиники ҳисобланмасди. Шу сабабдан Ўнан ҳар сафар Тамаранинг ёнига кирганда, акамга зурриёт қолмасин* деб, уруғини ерга тўкарди. 10 Ўнан бу қилмиши билан Эгамизнинг олдида қабиҳлик қилаётган эди. Шунинг учун Эгамиз Ўнаннинг ҳам жонини олди.

11 Шундан кейин Яҳудо келини Тамарага:

— Отангнинг уйига бориб турмушга чиқмай, ўтира тур–чи, ўғлим Шело улғайиб қолар, — деди. Чунки Яҳудо: “Шело ҳам акаларига ўхшаб ўлиб қолмасин”, деб қўрққан эди. Шундай қилиб, Тамара отасининг уйига қайтиб кетди.

12 Орадан бирмунча вақт ўтгач, Яҳудонинг хотини вафот этди. Яҳудо аза муддатини тугатгандан кейин, Адулламлик дўсти Хирах билан бирга

қўйларининг жунини қирқаётганлардан хабар олгани Тимнах шаҳрига кетди.
13 Кимдир Тамарага: “Қайнатанг қўйларининг жунини қирқаётганлардан хабар
олгани Тимнахга кетяпти”, деб айтиб қолди. 14 Тамара эгнидаги азадорлик
либосларини ўзгартирди. Юзини рўмол билан беркитиб олди–да, Энайим шаҳри
дарвозаси ёнида* ўтирди. Бу шаҳар Тимнахга борадиган йўлда эди. Яҳудонинг
кичик ўғли Шело вояга етганини Тамара биларди. Лекин ҳалигача Тамарани
Шелога олиб бермаган эдилар. 15 Яҳудо Тамарани кўриб қолди. Тамара юзини
беркитиб олгани учун, Яҳудо: “Бу аёл фоҳиша бўлса керак”, деб ўйлади. 16 Яҳудо
йўл бўйида ўтирган Тамаранинг олдига келди. Бу аёл ўзининг келини эканини
Яҳудо билмагани учун унга: “Мен билан бирга бўлгин”, деб таклиф қилди.

— Сиз билан бўлсам, эвазига нима берасиз? — деб сўради Тамара.

17 — Сурувимдан бир улоқча юбораман, — деди Яҳудо.

— Улоқчани юборгунингизча, менга гаровга бирон нарса қолдириб кетсангиз,
— деди Тамара.

18 — Бўпти, гаровга нима берай? — деб сўради Яҳудо.

— Бўйнингиздаги муҳрингизни боғичи билан, яна қўлингиздаги
таёғингизни*, — деди Тамара.

Шундай қилиб, Яҳудо ўша нарсаларни Тамарага берди. Кейин у билан бўлди.
Тамара Яҳудодан ҳомиладор бўлиб қолди. 19 Тамара уйига борди. Юзидаги
ёпинчиғини олиб, азадорлик либосларини яна кийиб олди.

20 Яҳудо дўсти Хирахдан: “Мана бу улоқчани олиб бориб ўша аёлга бер, мен
унга берган гаровни қайтариб ол”, деб илтимос қилди. Лекин Хирах у аёлни топа
олмади. 21 Хирах шу ерлик одамлардан:

— Мана шу шаҳарнинг дарвозаси ёнида — йўл четида бир фоҳиша ўтирар эди,
ўша фоҳиша қаерда? — деб сўради.

— Бу ерда ҳеч қандай фоҳиша* йўқ, — деб жавоб беришди ўша одамлар.

22 Хирах Яҳудонинг олдига қайтиб келиб:

— У аёлни топа олмадим, — деди, — шаҳар одамлари ҳам, бу ерда ҳеч қандай
фоҳиша йўқ, деб айтишди.

23 — Майли, ўша нарсаларим у аёлга қолаверсин, — деди. — Мен унга улоқча
жўнатгандим, сен топа олмадинг. Акс ҳолда, масхара бўлардик.

24 Тахминан уч ойдан кейин Яҳудо: “Келининг Тамара фоҳиша экан, ҳомиладор
бўлиб қолибди” деган гапни эшитди.

— Уни шаҳардан ташқарига олиб чиқиб ёқиб юборинглар! — деб буюрди
Яҳудо.

25 Тамарани олиб чиққанларида, у қайнатасига шу хабарни юборди: “Мен мана
бу боғичи бор муҳр ва таёқнинг эгасидан ҳомиладор бўлганман, илтимос, бу
нарсаларнинг эгасини аниқласангиз.” 26 Яҳудо бу нарсаларни таниб, деди: “Мен
зиммамдаги мажбуриятимни бажармадим — Тамарани ўғлим Шелога олиб
бермадим, Тамара эса тўғри иш қилди.” Шундан кейин Яҳудо Тамара билан бошқа
бўлмади.

27 Тамаранинг кўзи ёрийдиган пайт яқинлашганда, унинг қорнида эгизаклар
борлиги маълум бўлди. 28 Тамара туғаётганда, эгизаклардан бири қўлини
ташқарига чиқарди. Доя: “Буниси биринчи бўлиб туғилди”, деб чақалоқнинг
қўлига қизил ип боғлаб қўйди. 29 Лекин чақалоқ қўлини ичкарига тортиб олиши

биланоқ иккинчиси туғилди. Доя: “Сен йўлингни ўзинг ёриб чиқдинг!” деди. Шу сабабдан унга Параз* деб исм қўйилди. 30 Сўнгра қўлига қизил ип боғланган чақалоқ туғилди. Унга Зерах* деб исм қўйилди.

39–БОБ

Юсуф билан Пўтифарнинг хотини

1 Исмоилий савдогарлари Юсуфни Мисрга олиб келишгач, уни Мисрлик Пўтифар деган бир одамга сотишди. Пўтифар фиръавннинг аъёнларидан бири бўлиб, қўриқчилар бошлиғи эди. 2 Эгамиз Юсуф билан бирга бўлиб, унга кўп муваффақият келтирарди. Юсуф Мисрлик хўжайинининг хонадонида хизмат қилиб юраверди. 3 Пўтифар кўрдики, Эгамиз Юсуф билан бирга бўлиб, ҳар бир қилган ишида унга муваффақият келтиряпти. 4 Шундай қилиб, Юсуф хўжайинининг илтифотига сазовор бўлди, хўжайинининг мулозими бўлиб қолди. Пўтифар Юсуфни ўз хонадони устидан назоратчи қилиб, бутун мол–мулкини унга ишониб топширди. 5 Пўтифар Юсуфни назоратчи қилиб тайинлаган кундан бошлаб, Эгамиз Юсуф туфайли Пўтифарнинг хонадони аҳлига, унинг уйидаги ва даласидаги бутун мол–мулкига барака берадиган бўлди. 6 Буни кўрган Пўтифар бутун мол–мулкини Юсуфнинг ихтиёрига топширди. Пўтифарнинг ейдиган овқатидан бошқа ҳеч нарса билан иши бўлмасди.

Юсуф жуда чиройли, келишган йигит эди. 7 Орадан маълум вақт ўтгач, хўжайинининг хотини Юсуфга кўзларини сузиб: “Мен билан бирга бўл”, деб таклиф қилди. 8 Лекин Юсуф рад қилди ва хўжайинининг хотинига деди:

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен бу ерда бўлганим учун, хўжайиним хонадонидаги ҳеч бир нарса тўғрисида қайғурмайди, ҳамма нарсасини менинг қўлимга топшириб қўйди. 9 Бу хонадонда ҳеч ким мендан катта эмас. Сиздан бошқа бирор нарсани мендан аямади. Чунки сиз унинг хотинисиз. Қандай қилиб мен шу қадар қабиҳлик қилиб, Худога қарши гуноҳ қиламан?!

10 Пўтифарнинг хотини ҳар куни Юсуфга таклиф қилса ҳам, лекин Юсуф рад қилиб, у билан бўлмади.

11 Бир куни Юсуф ўз ишларини бажариш учун уйга кирди. Уйда хизматкорлардан биронтаси ҳам йўқ эди. 12 Аёл Юсуфнинг кийимидан ушлаб: “Мен билан бўл!” деди. Лекин Юсуф ташқарига қочиб чиқиб кетди. Юсуфнинг кийими эса аёлнинг қўлида қолди. 13 Аёл кўрдики, Юсуф кийимини унинг қўлида қолдириб, ташқарига қочиб чиқиб кетди. 14 Шунда аёл уйдаги хизматкорларни чақирди. Аёл ҳўнграб деди:

— Қаранглар! Эрим манави ибронийни бизни таҳқирлаш учун олиб келган экан! У мен билан ётгани кирган экан, овозим борича бақирдим.
15 Додлаганимдан кейин, кийимини ёнимда қолдириб, ташқарига қочиб чиқиб кетди.

16 Хўжайин уйга келгунча, аёл Юсуфнинг кийимини ўзида сақлаб турди. 17 Аёл эрига ҳам ўша воқеани айтиб берди: “Сиз уйимизга олиб келган анави иброний қулвачча хонамга кириб, мени таҳқирламоқчи бўлди. 18 Мен дод солган эдим, у кийимини ёнимда қолдириб, ташқарига қочиб чиқиб кетди.”

19 Пўтифар буни эшитгач, ғазабланди. 20 У Юсуфни ушлаб, шоҳнинг маҳбуслари

сақланадиган зиндонга ташлади. Шундай қилиб, Юсуф зиндонда қолаверди.
21 Лекин Эгамиз Юсуф билан бирга бўлиб, унга марҳамат кўрсатарди. Натижада
зиндонбоши Юсуфга илтифот қиларди. 22 Зиндонбоши зиндондаги ҳамма
маҳбусларга қараб туришни Юсуфга юклаб қўйди, зиндонда бўладиган ҳамма
ишларга Юсуф масъул эди. 23 Эгамиз Юсуф билан бирга бўлиб, унинг ҳамма
ишларида муваффақият келтирарди. Шунинг учун Юсуф масъул бўлган ишларга
зиндонбоши аралашмасди.

40–БОБ

Юсуф маҳбусларнинг тушини таъбир қилади

1 Бир куни сарой соқийси* билан новвойи Миср фиръавнини қаттиқ хафа
қилдилар. 2 Фиръавн бу иккала аъёнидан — соқийси билан новвойидан
ғазабланиб, 3 уларни ҳам Юсуф ётган зиндонга қаматиб қўйди. Зиндон
қўриқчилар бошлиғининг уйида эди. 4 Қўриқчилар бошлиғи Юсуфни соқий билан
новвойнинг хизматига қўйди. Юсуф уларга хизмат қила бошлади. Улар анча вақт
зиндонда қолдилар.

5 Фиръавннинг соқийси билан новвойи зиндонда ётар эканлар, бир куни
кечаси иккови ҳам туш кўрдилар. Ҳар бир тушнинг ўзига хос маъноси бор эди.
6 Эрталаб Юсуф уларнинг ёнига келди. Уларнинг юзи ғамгин эди. Юсуф буни
пайқади.

7 — Нимага бугун жуда ғамгин кўринасизлар? — деб сўради Юсуф улардан.

8 — Биз туш кўрган эдик, бу ерда тушимизни таъбирлаб берадиган бирон
кимса йўқ, — деб жавоб беришди улар.

— Тушларни таъбирлаш Худодандир, — деди Юсуф. — Марҳамат, тушингизни
менга айтинг–чи.

9 Аввал соқий тушини Юсуфга айтиб берди:

— Тушимда ток кўрибман. Ток олдимда турган эмиш. 10 Токнинг учта новдаси
бор экан. Новдалар дарров куртак отиб, мева тугиб узумлар пишибди.
11 Фиръавннинг қадаҳи қўлимда эмиш. Мен узумларни олиб, фиръавннинг
қадаҳига узумнинг шарбатини сиқибман. Кейин қадаҳни фиръавннинг қўлига
берибман.

12 Юсуф унга деди:

— Тушингизнинг таъбири шундай бўлар: учта новда — уч кун дегани. 13 Уч
кун ичида фиръавн сизни зиндондан озод қилиб, олдинги мансабингизга
қайтаради: сиз яна соқий бўлиб, илгаригидай шоҳга қадаҳ тутасиз. 14 Лекин
сиздан бир илтимос: ишларингиз яхши бўлиб кетганда, мени ҳам эслаб қўйинг.
Сиз менга илтифот кўрсатиб, фиръавнга мен тўғримда ҳам эслатиб қўйинг: мени
зиндондан чиқариб олсин. 15 Мен аслида иброний лар юртидан ўғирлаб
келтирилганман. Бунинг устига, яна бу ерда зиндондаман, лекин ҳеч қандай
айбим йўқ.

16 Новвой қараса, тушнинг таъбири яхшиликка экан. У Юсуфга деди:

— Мен ҳам туш кўрибман. Бошимда учта нон саватни олиб кетаётган
эмишман. 17 Энг тепадаги саватда фиръавнга аталган пиширириқларнинг ҳар
туридан бор экан. Лекин қушлар учиб келиб, бошимдаги саватдан пиширириқларни

чўқиётган экан.
18 — Тушингизнинг таъбири шундай бўлар, — деди Юсуф. — Учта сават — уч
кун дегани. 19 Уч кун ичида фиръавн бошингизни танангиздан жудо қилиб,
танангизни тик ўрнатилган ходанинг учига қоқтиради. Қушлар танангизни
чўқиб ейди.
20 Орадан уч кун ўтгач, фиръавн туғилган кунида барча аъёнларига зиёфат
берди. Соқийси билан новвойини ҳам зиндондан аъёнлари олдига чақиртирди.
21 Фиръавн соқийсини озод қилиб, олдинги мансабига қайтарди. Шундай қилиб,
соқий яна фиръавнга қадаҳ тутадиган бўлди. 22 Лекин Юсуф айтгандай, фиръавн
новвойнинг бошини олдириб, жасадини тик ўрнатилган ходанинг учига
қоқтирди. 23 Соқий эса Юсуфни эсламади, уни унутиб юборди.

41–БОБ

Юсуф фиръавннинг тушини таъбир қилади

1 Орадан икки йил ўтди. Бир куни Миср фиръавни туш кўрди. Тушида у Нил
дарёси бўйида турган эмиш. 2 Бир пайт дарёдан еттита боқилган, семиз сигир
чиқиб, қирғоқдаги ўтларни ея бошлабди. 3 Сўнгра дарёдан яна еттита сигир
чиқибди. Бу сигирлар жуда ҳам хунук, ориқ экан. Булар семиз сигирларнинг ёнига
келиб турибди. 4 Бир вақт ориқ сигирлар семиз сигирларни еб қўйибди! Шундан
кейин фиръавн уйғониб кетди. 5 Сўнгра у яна ухлаб қолди ва бошқа туш кўрди.
Тушида битта буғдой поясида еттита тўлиқ, пишган бошоқ ўсган эмиш. 6 Кейин
ўша пояда яна еттита бошоқ ўсиб чиқибди. Бу бошоқлар саҳро шамолида
қовжираб, пучайиб кетган экан. 7 Бирдан пучайган бошоқлар еттита пишган,
тўлиқ бошоқни ютиб юборибди!
Фиръавн яна уйғониб кетди. Бу туши экан.
8 Фиръавн саҳарда кўрган тушини ўйлаб, кўнгли жуда ғаш бўлди. “Тушим
нимадан дарак берар экан”, деб жуда хавотирланди. Шу боисдан Мисрдаги
жамики сеҳргарларни ва донишмандларни чақиртирди. Фиръавн уларга кўрган
тушини айтиб берди. Лекин уларнинг биронтаси фиръавннинг тушини таъбир
қилиб бера олмади.
9 Шу орада фиръавннинг соқийси* сўз олди:
— Бугун айбларимни эътироф этишимга тўғри келади. 10 Жаноби олийлари!
Сиз бирмунча вақт олдин новвой билан мендан ғазабланиб, бизни қўриқчилар
бошлиғининг уйидаги зиндонга ташлаган эдингиз. 11 Новвой билан мен бир куни
кечаси туш кўрибмиз. Тушларимизнинг ўзига хос маъноси бор эди. 12 Биз билан
зиндонда бир иброний йигит ҳам ётган эди. У қўриқчилар бошлиғининг
хизматкори эди. Биз ўша иброний йигитга тушимизни айтганимизда, ҳар
биримизнинг тушимизни таъбир қилиб берди. 13 Ҳаммаси ўша иброний йигит
айтгандай бўлди. Мен олдинги мансабимга қайтдим, новвойни эса тик
ўрнатилган ходага қоқишди.
14 Фиръавн Юсуфга одам юборди. Юсуф зудлик билан зиндондан чиқарилди. У
соқолини олиб, кийимларини ўзгартирди–да, фиръавннинг ҳузурига келди.
15 — Ўтган кечаси мен туш кўрдим, — деб гап бошлади фиръавн Юсуфга. —
Лекин ҳеч ким тушимни таъбир қилиб бера олмади. Эшитишимча, сен тушларни

таъбирлай олар экансан. Шу сабабдан сени чақиртирган эдим.
16 — Жаноби олийлари, мен ўзим тушингизни таъбирлай олмайман, — деб
жавоб берди Юсуф. — Тўғри жавобни сизга Худо беради.
17 Шундан кейин фиръавн Юсуфга тушини айтди:
— Тушимда Нил дарёси бўйида турган эмишман. 18 Бир пайт дарёдан еттита
боқилган, семиз сигир чиқиб, қирғоқдаги ўтларни ея бошлабди. 19 Сўнгра дарёдан
яна еттита сигир чиқибди. Бу сигирлар жуда ҳам хунук, ориқ экан. Бунақанги
хунук сигирни бутун Миср юртида кўрмаган эдим. 20 Бир вақт ориқ, хунук
сигирлар дарёдан олдин чиққан семиз сигирларни еб қўйибди. 21 Хунук сигирлар
семиз сигирларни егандан кейин ҳам, улар ҳеч нарса емагандай хунуклигича
қолавердилар. Шундан кейин уйғониб кетибман. 22 Сўнгра яна ухлаб қолиб, бошқа
туш кўрибман. Тушимда битта буғдой поясида еттита тўлиқ, пишган бошоқ ўсган
эмиш. 23 Кейин ўша пояда яна еттита бошоқ ўсиб чиқибди. Бу бошоқлар саҳро
шамолида сўлиб, қовжираб, пучайиб кетган экан. 24 Бирдан пучайган бошоқлар
еттита пишган, тўлиқ бошоқни ютиб юборибди! Мен тушимни сеҳргарларимга
айтган эдим, лекин бирортаси ҳам маъносини айтиб бера олмади.
25 — Фиръавн жаноби олийларининг иккала тушининг маъноси ҳам бирдир,
— деди Юсуф фиръавнга. — Худо нима қилмоқчи эканини фиръавнимизга аён
этибди. 26 Еттита семиз сигир ва еттита тўлиқ бошоқ етти йил деганидир,
буларнинг маъноси бирдир. Шу йиллари фаровонлик бўлади. 27 Еттита озғин,
хунук сигир билан еттита пучайган бошоқ ҳам етти йил деганидир. Шу йиллари
қаҳатчилик бўлади. 28 Фиръавн жаноблари! Айтганимдай, Худо нима қилмоқчи
эканини сизга кўрсатибди. 29 Бутун Миср юртида етти йил давомида ҳосил
ниҳоятда мўл бўлади. 30 Лекин шундан кейин етти йил давомида шундай
даҳшатли қаҳатчилик бўладики, Мисрда олдинги фаровонлик йиллари унутилиб
кетади. Қаҳатчилик юртни хароб қилади. 31 Қаҳатчилик ниҳоятда оғир
бўлганидан, одамлар хотирасидан фаровонлик даври тамомила ўчиб кетади.
32 Фиръавн жаноблари икки марта туш кўрганларининг маъноси шуки, бу иш
муқаррар юз беришини Худо таъкидлаяпти, Худо буни яқин орада амалга
оширади. 33 Шунинг учун, фиръавн жаноблари, сиз ақл–идрокли, доно бир одамни
танлаб олиб, Миср юрти устидан тайинланг. 34 Яна юрт устидан назоратчилар
тайин қилинг. Ўша назоратчилар ҳосилдор етти йил давомида Миср юртидаги
бутун ҳосилнинг бешдан бир қисмини олсинлар. 35 Уларга фармон беринг:
фаровонлик йиллари давомида улар дон ғамлашсин, сизнинг назоратингиз
остида шаҳарларда дон йиғиб, қўриқлашсин. 36 Шу йўл билан етти йил
қаҳатчилик даврида озиқ–овқат бўлиши учун дон ғамланиб туради. Акс ҳолда,
қаҳатчилик, шубҳасиз, юртни хароб қилади, бутун халқ ҳалок бўлади.

Юсуф Миср ҳокими бўлади

37 Юсуфнинг маслаҳати фиръавнга ҳам, унинг барча аъёнларига ҳам жуда
маъқул келди. 38 Фиръавн аъёнларига: “Биз Юсуфдан бошқа Худонинг Руҳи
бошқарадиган бирорта одамни топа олармидик”, деб айтди. 39 Шу боисдан
Юсуфга:
— Худо буларнинг ҳаммасини сенга аён қилган экан, бу юртда энг
ақл–идрокли, доно одам сенсан, — деди. 40 — Мен сени ўзимга вазир қилиб

тайинлайман, бутун халқим сенинг буйруғингга итоат этади. Мен сендан фақат тахтим билан устунман, холос.

41 Фиръавн яна Юсуфга:

— Мана, сени бутун Миср юрти устидан ҳоким қилиб тайинладим, — деди.
42 Сўнг фиръавн ўзининг муҳр узугини бармоғидан чиқариб, Юсуфнинг бармоғига тақиб қўйди. У Юсуфга шоҳона либослар кийдириб, бўйнига олтин занжир тақиб қўйди. 43 Фиръавн Юсуфга ўнг қўл вазир сифатида извошини ҳам тақдим қилди. Юсуф қаерга бормасин, одамларга: “Тиз чўкинглар!” деган буйруқ бериларди. Шундай қилиб, фиръавн Юсуфни бутун Миср юрти устидан ҳоким қилди.
44 Фиръавн Юсуфга яна шундай деди:

— Фиръавн мен бўлсам ҳам, бутун Миср юртида бирон кимса сенинг ижозатингсиз ҳатто миқ этолмайди.

45 Фиръавн Юсуфга Зофнат–Паниёх деб исм қўйди ва Он шаҳри* руҳонийси Пўтиферонинг қизи Осанатни олиб берди. Шундай қилиб, Юсуф бутун Миср юртида ҳоким бўлиб қолди.

46 Юсуф Миср фиръавни хизматига кирган пайтда, ўттиз ёшда эди. Юсуф фиръавн саройидан чиқиб, бутун Миср юртини кезиб чиқарди. 47 Етти йил фаровонлик даврида ер мўл–кўл ҳосил берди. 48 Шу йиллар давомида Юсуф Мисрда етиштирилган ҳосилдан бир қисмини олиб, шаҳарларда дон ғамлади. Хусусан, ҳар бир шаҳар атрофидаги далалардан ўша шаҳарга дон йиғиларди.
49 Юсуф шунчалик кўп дон ғамладики, денгиздаги қумдек кўп эди. Шунинг учун донни ўлчамай қўйди. Дон беҳисоб даражада кўп эди.

50 Қаҳатчилик йиллари бошланишидан олдин, Юсуфга хотини Осанат икки ўғил туғиб берди. 51 Юсуф: “Қайғуларимни ва отам хонадонини Худо эсимдан чиқарди”, деб тўнғич ўғлининг исмини Манаше* қўйди. 52 Иккинчи ўғлининг исмини Эфрайим* қўйди. “Чунки, — деди Юсуф, — мен азоб–уқубат тортган юртда Худо мени баракали қилди.”

53 Ниҳоят, ҳосилдор етти йил ҳам тугади. 54 Юсуф таъбир қилгандай, етти йиллик қаҳатчилик бошланди. Атрофдаги ҳамма юртларда дон танқис бўлиб, Миср юртидагина нон бор эди. 55 Охири, Миср юртида ҳам очарчилик бошланди. Миср халқи нон сўраб фиръавнга ёлворди. Фиръавн эса халққа: “Юсуфга боринглар, у нима деса, шуни қилинглар”, деди. 56 Қаҳатчилик кучайиб, бутун юртга ёйилгач, Юсуф ҳамма омборхоналарнинг эшикларини очиб, Мисрликларга дон сота бошлади. 57 Бутун дунё бўйлаб қаҳатчилик кучайиб борар, шунинг учун атрофдаги юртларнинг халқлари Юсуфдан дон сотиб олгани Мисрга келишарди.

42–БОБ

Юсуфнинг акалари дон сотиб олгани Мисрга келишади

1 Ёқуб: “Мисрда дон бор экан”, деб эшитгач, ўғилларига деди:

— Бир–бирларингизга термулиб ўтираверасизларми? 2 Мисрда дон бор экан, деб эшитдим. Боринглар, ўзимизга дон сотиб олиб келинглар, тағин очликдан ўлиб кетмайлик.

3 Шундай қилиб, Юсуфнинг ўнта акаси ҳам дон сотиб олгани Мисрга кетишди.
4 Лекин Ёқуб Юсуфнинг укаси Бенямини ўғиллари билан бирга юбормади.

“Бенямин ҳам бирор фалокатга йўлиқмасин”, деб қўрқарди. 5 Шундай қилиб,
Ёқубнинг* ўғиллари дон сотиб олгани келган бошқа одамлар билан бирга Мисрга
келишди. Чунки Канъон юртида ҳам очарчилик бошланган эди.
6 Юсуф бу пайтда бутун Миср устидан ҳоким бўлгани учун юрт халқига дон
сотар эди. Юсуфнинг акалари келиб, бошлари ерга теккудай бўлиб, унга таъзим
қилишди. 7 Юсуф акаларини кўрибоқ, дарров таниди. Лекин Юсуф уларга худди
нотанишлардай муомала қилди:
— Қаердан келдингиз? — деб дағаллик билан сўради Юсуф улардан.
— Канъон юртидан, дон сотиб олгани келдик, — деб жавоб беришди улар.
8 Юсуф акаларини таниган бўлса ҳам, акалари Юсуфни танимадилар. 9 Юсуф
акалари тўғрисида анча йиллар олдин кўрган тушларини эслади. Юсуф уларга:
— Сизлар жосуссизлар! — деди. — Сизлар бу юртнинг заиф томонларини
билиш учун келгансизлар.
10 — Йўқ, ҳазрати олийлари! Бу қулларингиз фақат дон сотиб олгани
келишган! — деб жавоб бердилар акалари. 11 — Биз ҳаммамиз бир одамнинг
фарзандларимиз, тўғри одамлармиз. Бу қулларингиз ҳеч қачон жосуслик
қилишмаган!
12 — Йўқ! Сизлар бу юртнинг заиф томонларини билиш учун келгансизлар! —
деди Юсуф.
13 — Биз, қулларингиз, ўн икки ака–укамиз, отамиз Канъон юртида, —
дейишди улар. — Энг кичик укамиз у ерда отамиз билан қолди. Битта укамиз эса
нобуд бўлган.
14 — Сизлар жосуссизлар дедимми, жосуссизлар! — дея гапида туриб олди
Юсуф. 15 — Энди айтганларингизни текшириб кўраман. Фиръавннинг номини
ўртага қўйиб қасам ичаманки, агар энг кичик укангиз бу ерга келмаса, сизлар
Мисрдан кетмайсизлар. 16 Сизлардан биттангиз бориб, укангизни олиб келасиз,
қолганларингиз зиндонда ётиб турасизлар. Айтганларингиз тўғрими, йўқми,
текширилади. Агар тўғри бўлмаса, фиръавннинг номини ўртага қўйиб қасам
ичаманки, сизлар, шубҳасиз, жосус бўлиб чиқасизлар.
17 Юсуф уларнинг ҳаммасини уч кун зиндонга қамаб қўйди.
18 Учинчи куни Юсуф уларга деди:
— Мен Худодан қўрқадиган одамман. Агар менинг айтганларимни қилсангиз,
тирик қоласизлар. 19 Агар тўғри одамлар бўлсангизлар, биттангиз зиндонда
қоласиз, қолганларингиз эса оч қолган оилаларингиз учун дон олиб,
уйларингизга кетишларингиз мумкин. 20 Кичик укангизни менинг олдимга олиб
келасизлар. Шу йўл билан сизларнинг сўзларингизни текшириб кўраман.
Гапларингиз тўғри бўлса, сизларга шафқат қиламан.
Ҳаммалари бу гапга рози бўлишди. 21 Улар бир–бирларига гапира бошладилар:
“Мана, укамизга нима қилган бўлсак, энди жазосини тортяпмиз. У қанчалар
азобланганини кўзимиз билан кўриб, ёлворишларини эшитганимизда ҳам, қулоқ
солмаган эдик. Шу сабабдан бу азоблар ўзимизнинг бошимизга ҳам келди.”
22 Шунда Рубен уларга деди:
— Болага зарар етказманглар, деб айтмаганмидим?! Лекин сизлар гапимга
қулоқ солмадингиз. Мана энди унинг қони бизни тутади.
23 Юсуф шу ерда турган эди. Акалари: “Гапимизни мана бу одам тушунади” деб

хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Чунки Юсуф акалари билан тилмоч орқали гаплашарди. 24 Юсуф акаларининг олдидан кетиб, йиғлади. Бир оз ўзини босиб олгач, қайтиб келиб, улар билан гаплашди. Сўнг уларнинг орасидан Шимўнни ажратиб олди ва уларнинг кўзи олдида боғлатди.

Юсуфнинг акалари Канъонга қайтишади

25 Шундан кейин Юсуф хизматкорларига шундай буйруқ берди: “Бу одамларнинг қопларини донга тўлдириб беринглар. Ҳар бирининг кумушларини* қопига қайтариб солиб қўйинглар, уларга йўл учун керакли озиқ–овқат беринглар.” Ҳаммаси Юсуф буюргандай бўлди. 26 Ака–укалар донларни эшакларига юклаб, йўлга тушдилар. 27 Кечаси бир жойда тунагани тўхтадилар. Улардан бири қопини очиб, эшагига ем олмоқчи бўлган эди, қараса, қоп ичида кумушлари турибди! 28 У ака–укаларига: “Вой, қаранглар! Мана кумушларим! Қопимнинг ичида экан!” деб ҳайратланди. Шунда уларнинг юраклари қинидан чиққудай бўлиб қалтираб, бир–бирларига: “Энди Худо бошимизга нима соляпти экан–а?!” дер эдилар.

29 Улар Канъон юртига — оталари ҳузурига қайтиб келганларидан кейин, бошларидан ўтган ҳамма воқеаларни унга айтиб бердилар:

30 — Ўша юртнинг ҳокими биз билан жуда қўпол гаплашди, бизни, жосуссизлар, деди. 31 Лекин биз тўғри одам эканимизни, жосус эмаслигимизни айтдик. 32 Унга: “Биз ўн икки ака–укамиз, битта отанинг фарзандларимиз, битта укамиз нобуд бўлган, энг кичик укамиз отамиз билан Канъонда қолган”, деб айтдик. 33 Кейин ўша юртнинг ҳокими бизга айтди: “Сизлар тўғри одамлар эканингизни текшириб кўраман. Биттангиз мен билан қоласиз, бошқаларингиз эса оч қолган оилаларингиз учун дон олиб кетаверасизлар. 34 Энг кичик укангизни менинг олдимга олиб келасизлар. Ана шунда сизлар жосус эмас, балки тўғри одам эканингизни билиб оламан. Сўнгра мана бу туғишганингизни сизлар билан бирга жўнатиб юбораман. Сизлар дон сотиб олгани тез–тез келиб тураверасизлар*.”

35 Улар қопларини бўшатаётганларида, қарасалар, ҳаммасининг қопи ичида тугунчада кумушлари турибди. Ота–болалар тугунчалардаги кумушларни кўрганларида, ваҳимага тушдилар. 36 Шунда Ёқуб ўғилларига айтди:

— Мени ҳамма болаларимдан жудо қилмоқчимисизлар? Юсуф йўқолди, Шимўн ҳам йўқ, энди эса Беняминни олиб кетмоқчисизлар! Пешанам бунча шўр бўлмаса!

37 Рубен отасига деди:

— Агар Беняминни сизга қайтариб олиб келмасам, майли, менинг иккала ўғлимни ўлдираверинг! Беняминни менга ишониб топширинг, ўзингизга қайтариб олиб келиб бераман.

38 — Ўғлим сизлар билан бирга бормайди, — деди Ёқуб. — Акаси Юсуф ўлган, ўзи ёлғиз қолди*. Йўлда у бирор фалокатга йўлиқиши мумкин. Қариганимда мени қайғудан ўликлар диёрига* киритасизлар.

43–БОБ

Юсуфнинг акалари Беняминни Мисрга олиб келишади

1 Канъон юртида қаҳатчилик ҳаддан ортиқ кучайди. 2 Ёқубнинг ўғиллари
Мисрдан олиб келган донни еб тугатишди. Шундан кейин Ёқуб ўғилларига:
— Яна бориб, бир оз дон сотиб олиб келинглар, — деди.
3 Яҳудо отасига шундай деди:
— Ўша одам, укангизни олиб келмагунларингизча, кўзимга кўринманглар, деб
бизни огоҳлантирган. 4 Агар укамизни биз билан бирга жўнатсангиз, бориб, сизга
дон сотиб олиб келардик. 5 Лекин Беняминни юбормасангиз, биз ҳам бормаймиз.
Чунки ўша одам, укангизни олиб келмасангиз, кўзимга кўринманглар, деб айтган.
6 Ёқуб*:
— Нимага ўша одамга, яна укамиз бор, деб бошимга бало орттирдингиз?! —
деб зорланди.
7 Улар шундай жавоб бердилар:
— У одам: “Отангиз ҳаётми? Бошқа укангиз ҳам борми?” деб ўзимиз, оиламиз
тўғрисида сўраб–суриштирди. Биз унинг саволларига жавоб бердик. “Укангизни
менинг олдимга олиб келинглар”, деб айтишини қаердан билибмиз?!
8 Яҳудо отасига деди:
— Укамизни мен билан жўнатинг, энди йўлга чиқайлик, токи сизу биз,
болаларимиз очликдан ўлмай, тирик қолайлик. 9 Унга мен ўзим кафил бўламан, у
учун мени масъул деб билаверинг. Агар уни қайтариб олиб келиб қўлингизга
топширмасам, умр бўйи сизнинг олдингизда айбдор бўлиб қолай. 10 Агар орқага
сурмаганимизда эди, ҳозиргача икки марта бориб келган бўлардик.
11 Ниҳоят, Ёқуб ўғилларига деди:
— Бошқа иложи йўқ экан, энди бундай қилинглар: юртимизнинг
ноз–неъматларидан қопларингизга солинглар. Бир оз мумиё, асал, хушбўй
зираворлар, мирра*, писта, бодом ҳам олиб, ўша одамга ҳадя қилиб олиб
боринглар. 12 Ўтган сафар қопларингизга кумушларни солиб қайтариб
юборишган эди, шунинг учун кумушни икки баробар кўп олинглар. Кимдир
адашган бўлиши мумкин. 13 Укангизни ҳам олинглар–у, ҳозироқ ўша одамнинг
олдига жўнанглар. 14 Ўша одам болаларимга раҳм қилсин, деб Қодир Худога
илтижо қиламан, токи у Шимўн билан Беняминни қайтариб юборсин. Агарда
фарзандларимдан жудо бўладиган бўлсам, майли, бўла қолай.
15 Шундай қилиб, улар ҳар хил ҳадялар, икки баробар кўп кумуш олдилар–да,
Беняминни ҳам эргаштириб, Мисрга шошилдилар. Мисрга етиб келиб, Юсуфнинг
ҳузурига кирдилар.
16 Юсуф уларнинг ёнида Беняминни ҳам кўрди ва қулбошисига буюрди: “Бу
одамларни уйга олиб бор, биронта жонлиқ сўйиб, тайёргарлик кўр. Улар
тушликни мен билан бирга ейдилар.” 17 Қулбоши Юсуф айтгандай қилди:
ака–укаларни Юсуфнинг уйига олиб кетди. 18 Қулбоши ака–укаларни Юсуфнинг
уйига олиб келгани учун, улар жуда қўрқиб кетишди. Улар бир–бирига дедилар:
“Ўтган сафар қопларимизга кумушларимизни қайтариб солиб қўйишган эди. Шу
сабабдан қулбоши бизни бу ерга олиб келган. Энди у бизни ўғриликда айблайди.
Бизни ушлаб, қул қилиб олади, эшакларимизни ҳам тортиб олади.” 19 Юсуфнинг

дарвозаси олдида ака–укалар қулбошига айтдилар:
20 — Кечирасиз, ҳазрат, биз ўтган сафар ҳам дон сотиб олгани келган эдик.
21 Уйга қайтиб кетаётганимизда, тунда дам олгани бир жойда тўхтаб,
қопларимизни очдик. Дон сотиб олганимизда тўлаган кумушимизнинг ҳаммаси
қопларимизнинг ичида экан. Мана, ўша кумушларни қайтариб олиб келдик. 22 Биз
яна дон сотиб олгани қўшимча кумуш олиб келдик. Ким у кумушларни
қопларимизга солиб қўйган экан, билмаймиз.
23 — Хотиржам бўлинглар, — деди Юсуфнинг қулбошиси, — бу тўғрида
хавотир олманглар. Дон сотиб олишга келтирган кумушларингизнинг ҳаммасини
мен олган эдим. Худойингиз — отангизнинг Худоси қопларингизга хазина солиб
қўйган бўлса керак.
Сўнг қулбоши Шимўнни уларнинг олдига олиб келди. 24 Қулбоши
ака–укаларни Юсуфнинг уйига олиб келгандан кейин, уларга сув берди.
Ака–укалар оёқларини ювиб олишди. Қулбоши уларнинг эшакларига ҳам ем
берди. 25 Ака–укаларга, Юсуф ҳазрати олийлари билан бирга тушлик қиласизлар,
деб айтишди. Шунинг учун Юсуф келгунча, улар ҳадяларини тайёрлаб қўйдилар.
26 Юсуф уйга келгач, улар ҳадяларини Юсуфга бериб, мук тушиб таъзим
қилишди. 27 Юсуф улардан ҳол–аҳвол сўради.
— Отангизнинг аҳволлари қалай? Кекса отамиз бор, деб айтган эдингиз. У
ҳозир ҳам ҳаётми?
28 — Қулингиз — отамиз яхши юрибдилар, ҳозир ҳаётлар, — деб жавоб
беришди ака–укалар. Сўнг улар Юсуфга эгилиб таъзим қилишди. 29 Юсуф
туғишган укаси Бениминни кўриб, улардан сўради:
— Кенжа укамиз бор, деб айтган эдингиз. Шу бола укангизми? Худо сенга
марҳамат қилсин, ўғлим!
30 Юсуф шундай деб, укасига меҳри товланиб кетганидан йиғлаб юборай
дерди. Шунинг учун Юсуф дарров ичкари хонага чиқди–ю, у ерда йиғлаб юборди.
31 Бир оздан кейин Юсуф юзини ювиб, ўзини қўлга олди ва ака–укаларининг
олдига қайтиб кирди. “Таомлар келтирилсин!” деб буйруқ берди. 32 Юсуфга
алоҳида дастурхонда, ака–укаларига эса бошқа дастурхонда таомлар тортилди.
Юсуфникидаги Мисрликлар эса алоҳида дастурхонда таом ейишди. Мисрликлар
ибронийлар билан дастурхон атрофида бирга ўтириб овқат ейишдан ҳазар
қилишар эди. 33 Юсуф ҳар бир акасига қайси жойда ўтиришини кўрсатди. Ҳар
бирини ёши бўйича, катта–кичиклигига қараб ўтқазди. Ака–укалар
бир–бирларига таажжуб билан қараб қўйдилар. 34 Ака–укаларга таомларни
Юсуфнинг дастурхонидан тарқатишди. Бениминга берилган таом бошқа
акаларининикига қараганда беш ҳисса кўп эди. Ака–укалар таомни еб, Юсуф билан
бирга май ичиб, хушнуд бўлдилар.

44–БОБ

Йўқолган қадаҳ

1 Ака–укалар кетишга тайёрланишди. Юсуф қулбошисига шундай кўрсатма
берди: “Бу одамларнинг қопларини кўтара оладиган қилиб донга тўлдир. Ҳар
бирининг қопига кумушларини қайтариб солиб қўй. 2 Кенжасининг қопи ичига

эса кумушлари билан бирга менинг кумуш қадаҳимни ҳам солиб қўй.” Қулбоши ҳаммасини Юсуф айтгандай қилди. 3 Эртасига тонг ёришиши биланоқ, ака–укаларни юк ортилган эшаклари билан жўнатиб юборишди. 4 Улар ҳали шаҳардан унча узоқлашмаган ҳам эдиларки, Юсуф қулбошисига буюрди:

— Бор, анави одамларнинг изидан туш. Уларга етиб олганингдан кейин шундай деб айт: “Нимага яхшиликка ёмонлик қилдингиз? 5 Хўжайинимнинг кумуш қадаҳини ўғирлаганингиз нимаси?* Хўжайиним ундан ичимлик ичиш учун, фол очиш учун фойдаланарди*, ахир! Қандай ёмон иш қилиб қўйибсизлар–а!”

6 Қулбоши ака–укаларга етиб олиб, ўргатилган гапларни айтди.

7 — Нимага бундай гапларни гапиряпсиз?! — деб жавоб қайтаришди улар. — Худо сақласин! Бу қулларингиз унақа иш қилмайди! 8 Ўзингиз ўйланг, қопларимиздан топиб олган кумушларни Канъондан сизга қайтариб олиб келдик–ку. Шундай экан, биз хўжайинингизнинг уйидан кумуш ёки олтин ўғирлармидик?! 9 Агар ўша нарса биз, қулларингиздан топилса, майли, ўша одам ўлдирилсин. Қолганларимиз ҳазрати олийларига қул бўлайлик.

10 — Майли, мен розиман, сизлар айтганча бўла қолсин, — деди қулбоши. — Кумуш қадаҳ кимдан топилса, у менга қул бўлади. Қолганларингиз эса озод бўласизлар.

11 Сўнгра ҳар бири тезда эшаклари устидан қопларини олиб, очдилар. 12 Юсуфнинг қулбошиси тўнғичининг қопидан бошлаб кенжасининг қопигача титиб чиқди. Қадаҳ Беняминнинг қопидан чиқиб қолса бўладими! 13 Улар умидсизликка тушиб, қайғудан кийимларини йиртдилар. Эшакларига яна юкларини ортиб, орқага — шаҳарга қайтиб келдилар.

14 Яҳудо ва ака–укалар Юсуфнинг уйига келишди. Юсуф ҳали уйида экан. Ака–укалар Юсуфнинг олдида ўзларини ерга отдилар.

15 — Бу қилганингиз нимаси? — деб сўроққа тутди Юсуф уларни. — Мендай бир одам фол очиб билиб олишимни билмасмидингиз?!

16 — Жаноби олийларига нима ҳам дердик? Худо бу қулларингизнинг қилган жиноятларини фош қилди. Энди ўзимизни қандай ҳимоя қила олардик?! Қандай қилиб ўзимизни оқлардик?! Жаноби олийлари! Сизнинг қадаҳингиз укамизнинг қопидан топилган экан, энди укамиз билан бирга биз, ҳаммамиз, сизга қул бўлишга тайёрмиз.

17 — Йўқ, Худо сақласин! Ҳечам бундай қилмайман! — деди Юсуф. — Фақат қадаҳни ўғирлаган одамгина менга қул бўлади. Қолганларингиз эса эсон–омон отангизнинг олдига қайтинглар.

Яҳудо Бенямин учун ёлворади

18 Шунда Яҳудо Юсуфга яқинроқ келиб деди:

— Жаноби олийлари! Ўзингиз фиръавн кабисиз. Сиз, жанобларига мен бир оғиз сўз айтсам, ғазабланманг. 19 Сиз биздан: “Отангиз ёки укангиз борми?” деб сўраган эдингиз. 20 Биз шундай деб жавоб бердик: “Ҳа, қари отамиз ва кенжа укамиз ҳам бор, отамиз уни кексайганда кўрган. Унинг акаси эса ўлган, онасидан бир ўзи ёлғиз қолган. Отамиз уни жуда яхши кўради.” 21 Кейин сиз биз, қулларингизга: “Ўша укангизни менинг олдимга олиб келинглар, уни ўзим

кўрайин–чи”, дединг из. 22 Биз эса сизга: “Бола отасини ташлаб кела олмайди, агар ташлаб келса, отаси ўлиб қолиши мумкин”, деб айтдик. 23 Кейин сиз бизга: “Укангизни олиб келмагунларингизча, кўзимга кўринманглар”, дединг из. 24 Қулингиз — отамизнинг ҳузурига қайтиб борганимизда, сизнинг гапларингизни унга айтдик. 25 Вақти келиб, отамиз бизга: “Яна бориб, ўзимизга бир оз дон сотиб олиб келинглар”, деди. 26 Лекин биз отамизга айтдикки: “Ўзимиз бора олмаймиз, агар кенжа укамиз биз билан бирга кетсагина, бора оламиз, укамиз бормагунча, биз ўша одамнинг кўзига кўрина олмаймиз.” 27 Шунда отамиз бизга деди: “Биласизларки, хотиним Роҳиладан икки ўғил қолган эди. 28 Биридан айрилдим, уни шубҳасиз, йиртқич ҳайвон тилка–пора қилиб ташлаган. Уни ўшандан кейин кўрмадим. 29 Агар бунисини ҳам мендан олиб кетсангиз, у бирор фалокатга йўлиқиб қолса, қариганимда мени қайғудан ўликлар диёрига* киритасизлар.” 30 Энди, жаноби олийлари, мен отамнинг олдига бу болани ташлаб бора олмайман. Отамизнинг умри бу боланинг ҳаётига боғлиқ. 31 Бола биз билан йўқлигини отамиз кўргандан кейин, у ўлиб қолади. Биз эса кекса отамизни қайғудан ўликлар диёрига тиқамиз. 32 Мен, қулингиз, мана шу бола учун отамга кафил бўлганман. Отамга: “Агар уни қўлингизга қайтариб олиб келиб топширмасам, умр бўйи сизнинг олдингизда айбдор бўлиб қолай”, деб айтганман. 33 Илтимос қиламан, жаноби олийлари, шу боланинг ўрнига мен сизга қул бўлиб қолай, рад этманг. Бола акалари билан бирга қайтиб кетаверсин. 34 Агар бола мен билан бирга кетмаса, отамнинг олдига қайси юз билан қайтиб бораман?! Отамнинг бошига тушадиган кулфатларга қараб туришга бардош беролмайман.

45–БОБ

Юсуф ака–укаларига ўзини танитади

1 Энди Юсуф ортиқ чидаб тура олмади. У хизматкорларига: “Ҳамма ҳузуримдан чиқсин!” деб буюрди. Юсуф ўзини ака–укаларига танитганда, ҳузурида ҳеч ким қолмаган эди. 2 У шундай қаттиқ йиғладики, хонадонидаги Мисрликлар эшитди. Бу янгилик тезда фиръавннинг саройига етиб борди.

3 — Мен Юсуфман! — деди у ака–укаларига. — Отам ҳали ҳам ҳаёт экан–да?

Лекин ака–укалар Юсуфнинг қаршисида даҳшатга тушиб, жавоб беришга тиллари ожиз эди.

4 — Менга яқинроқ келинглар! — деди Юсуф. Ака–укалари унга яқинроқ боришди.

— Мен Юсуфман! — деди у яна, — сизлар Мисрга сотган укангизман! 5 Мени бу ерга сотганингиздан ғам чекманглар, ўзларингиздан хафа ҳам бўлманглар. Худо шундай қилди. Худо инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун сизлардан олдин мени бу ерга жўнатган экан. 6 Икки йилдирки, юртда қаҳатчилик. Яна беш йил бу юртда на ер ҳайдалади, на ҳосил бўлади. 7 Худо ана шундай ғаройиб йўл билан сизларни ва наслингизни қутқариб, омон қолдириш учун сизлардан олдин мени юборди. 8 Ҳа, мени бу ерга сизлар эмас, Худо юборган! Худо мени фиръавнга маслаҳатчи, унинг бутун хонадонига хўжайин, Миср юрти устидан ҳоким қилди. 9 Тез бўлинглар, отамнинг олдига қайтиб бориб, унга шундай деб айтинглар: “Ўғлингиз Юсуфни Худо бутун Миср устидан ҳоким қилибди. Кечиктирмай йўлга

отланинг. 10 Сиз Гўшен ерларига* ўрнашар экансиз. Ўзингиз, болаларингиз,
набираларингиз, қўй–эчкиларингиз, подаларингиз — ҳамма мол–мулкингиз
билан бирга Юсуфга яқин жойда бўласиз. 11 Сизга Юсуф қараб турар экан. Ҳали
олдимизда беш йил қаҳатчилик турибди. Ўзингиз ҳам, хонадонингиз ҳам оч
қолмас экан, чорвангиз ҳам оч қолмас экан.” 12 Ўзларингиз кўриб турибсизлар,
укам Бенямин, сен ҳам кўриб турибсан, сизларга бу гапларни айтаётган мен
Юсуфман. 13 Мисрда мен қанчалик шон–шуҳратга эришганимни, ўз кўзларингиз
билан кўрганингизни отамга айтинглар. Отамни тезлик билан менинг олдимга
олиб келинглар.

14 Юсуф укаси Беняминни қучоқлаб, бўйнига осилиб, хурсандлигидан йиғлар,
Бенямин ҳам йиғлар эди. 15 Сўнг Юсуф йиғлаганича, акаларини бирма–бир
қучоқлаб ўпди. Энди акалари Юсуф билан бемалол гаплаша бошладилар.

16 “Юсуфнинг ака–укалари келибди!” деган хабар тезда фиръавн саройига етиб
борди. Фиръавн ва унинг аъёнлари ғоятда хурсанд бўлдилар. 17 Фиръавн Юсуфга
деди:

— Ака–укаларингга айт, юкларини уловларига ортиб, Канъонга қайтишсин.
18 Отангни, бола–чақаларини олиб, Мисрга қайтиб келишсин. Мен уларга юртнинг
энг яхши ерларини берай. Улар бу ерда тўкин–сочинликда яшайдилар. 19 Уларга
айт, Мисрдан аравалар олиб кетишсин. Хотинларини, болаларини, отангни ўша
араваларда бу ерга олиб келишади. 20 Қолиб кетган мол–мулкларига
ачинишмасин. Мисрнинг энг яхши ноз–неъматлари уларникидир.

21 Ёқубнинг* ўғиллари айтилгандай қилдилар: фиръавннинг кўрсатмасига
биноан, Юсуф уларга аравалар берди. Шунингдек, уларга йўл учун озиқ–овқат ҳам
ғамлаб берди. 22 Юсуф акаларининг ҳар бирига бир сидрадан янги кийим–бош,
Беняминга эса беш сидра кийим–бош ва уч юз бўлак кумуш* берди. 23 Отамга деб
ўнта эшакка Мисрнинг энг яхши ноз–неъматларидан, ўнта эшакка дон, отаси
учун йўлда егани озиқ–овқат юклаб жўнатди. 24 Юсуф ака–укаларини йўлга
кузатиб қўйди. Улар йўлга чиқаётганларида Юсуф: “Йўлда жанжаллашиб
юрманглар*”, деди.

25 Шундай қилиб, улар Мисрдан Канъон юртига — оталари ҳузурига қайтиб
келдилар. 26 “Юсуф тирик экан! У бутун Миср юртининг ҳокими экан!” деб
айтишди ўғиллари. Ёқуб бу янгиликдан ҳанг–манг бўлиб қолди, ўғилларининг
гапига ишонмади. 27 Лекин ўғиллари Ёқубга Юсуфнинг ҳамма гапларини айтиб
бўлиб, “Отамни Мисрга олиб келинглар”, деб Юсуф юборган араваларни кўрганда,
Ёқубнинг руҳи тетиклашди.

28 — Худога шукур, ўғлим Юсуф тирик экан, менга шунинг ўзи кифоя, — деди
Ёқуб, — ўлмасимдан бурун бориб уни кўриб қолай.

46–БОБ

Ёқуб ва унинг оиласи Мисрга кўчади

1 Шундай қилиб, Ёқуб* бутун мол–мулкини олиб, йўлга чиқди. У Бершебага*
етиб келиб, отаси Исҳоқнинг Худосига қурбонликлар қилди. 2 Тунда Худодан
Ёқубга ваҳий келди:

— Ёқуб! Ёқуб!

— Лаббай! — деди у.

3 — Мен Худоман, отангнинг Худосиман, — деди Худо. — Қўрқмасдан Мисрга
боравер, Мен у ерда сендан буюк халқ яратаман. 4 Мен сен билан бирга Мисрга
бораман. Сен Юсуфнинг қўлида жон берасан. Вақти келиб, Сенинг наслингни
Ўзим Мисрдан олиб чиқаман.

5 Сўнгра Ёқуб Бершебадан кетди. Ўғиллар отасини, болаларини, хотинларини
фиръавн юборган араваларга ўтқаздилар. 6 Улар Канъонда орттирган чорвасини,
ҳамма мол–мулкини олиб, Мисрга кетдилар. Ёқуб ва унинг ҳамма оила аъзолари
7 — ўғиллари, қизлари ва набиралари кетдилар.

8 Мисрга кетган Исроил халқи, яъни Ёқуб наслининг исмлари қуйидагичадир:

Ёқубнинг Леахдан кўрган насли

Ёқубнинг тўнғич ўғли Рубен ва 9 унинг ўғиллари — Ханўх, Паллув, Хазрон
ва Карми.
10 Шимўн ва унинг ўғиллари — Ямувол, Ёмин, Охад, Ёхин, Зўхар ва Шовул.
(Шовулнинг онаси Канъонлик эди.)
11 Леви ва унинг ўғиллари — Гершон, Қоҳот, Марори.
12 Яҳудо ва унинг ўғиллари — Ғур, Ўнан, Шело, Параз ва Зерах. (Лекин Ғур
ва Ўнан Канъон юртида вафот этган эдилар*.)
Параз ва унинг ўғиллари — Хазрон ва Хомул.
13 Иссахор ва унинг ўғиллари — Тўло, Пувах, Ёшув* ва Шимрон.
14 Забулун ва унинг ўғиллари — Саред, Элўн ва Яхлиёл.

15 Леахнинг бу ўғиллари ва қизи Дина Паддон–Орамда* туғилган эдилар.
Ёқубнинг Леахдан тарқалган насли жами бўлиб ўттиз уч киши эди.

Леахнинг чўриси Зилподан Ёқубнинг кўрган насли

16 Гад ва унинг ўғиллари — Зафўн*, Хаги, Шуно, Эзбўн, Эри, Арўд* ва Эрали.
17 Ошер ва унинг ўғиллари — Йимнах, Йишво, Йишви ва Бариё. Буларнинг
Серах деган сингиллари ҳам бор эди. Бариёнинг ўғиллари — Хабер ва
Малхиёл.

18 Зилпо Ёқубга туғиб берган насл ана шулардир. Улар ҳаммаси бўлиб ўн
олти киши эди. Лобон Зилпони қизи Леахга чўри қилиб берган эди.

Ёқубнинг Роҳиладан кўрган насли

19 Ёқубнинг хотини Роҳила туққан ўғиллар — Юсуф билан Бенямин.
20 Юсуф Миср юртида икки ўғил — Манаше ва Эфрайимни кўрди. Юсуфнинг
хотини Осанат Он шаҳрининг* руҳонийси Пўтиферонинг қизи эди.
21 Бенямин ўғиллари — Белах, Бохир, Ошбол, Гера, Нўъмон, Эхи, Рўш,
Мупим, Хупим ва Ард.

22 Ёқубнинг Роҳиладан тарқалган насли ана шулардир. Улар ҳаммаси бўлиб
ўн тўрт киши эди.

Роҳиланинг чўриси Билхахдан Ёқубнинг кўрган насли

23 Дан ва унинг ўғли — Хушим.
24 Нафтали ва унинг ўғиллари — Яхзиёл, Гўно, Изар ва Шиллем.

25 Ёқубнинг Билхахдан тарқалган насли ана шулардир. Билхахни Лобон
қизи Роҳилага чўри қилиб берган эди. Ҳаммаси бўлиб етти киши эди.

26 Ёқуб билан бирга Мисрга келган унинг насли ҳаммаси бўлиб олтмиш олти
киши* эди. Келинлари бу ҳисобга кирмасди. 27 Юсуф Мисрда икки ўғил кўрган
эди. Шундай қилиб, Ёқуб хонадонидан Мисрга келганлар ҳаммаси бўлиб етмиш
киши* эди.

Ёқуб ва унинг хонадони Мисрда

28 Ёқуб Яҳудони Юсуфнинг олдига: “Бизни Гўшен ерларида* кутиб ол” деган
хабар билан ўзларидан олдин жўнатди. Улар Гўшенга етиб келганларида, 29 Юсуф
аравасини қўшиб, отасини кутиб олиш учун Гўшенга борди. Юсуф отасини
кўриши биланоқ, уни қучоқлаб, бўйнига осилиб, узоқ йиғлади. 30 Ёқуб Юсуфга:

— Тирик эканингни кўзларим билан кўрдим, энди ўлсам ҳам армоним йўқ, —
деди. 31 Юсуф ака–укаларига, отаси хонадонининг қолган аҳлига деди:

— Мен бориб, фиръавнга: “Канъон юртидан ака–укаларим, отамнинг қолган
оила аъзолари менинг олдимга келишди”, деб хабар берайин. 32 Мен фиръавнга
яна: “Улар чўпон, чорвадорлик билан шуғулланишади, мол–қўйларини, бор
мулкини олиб келишибди”, деб айтайин. 33 Фиръавн сизларни чақириб:
“Касб–корингиз нима?” деб сўраб қолса, 34 унга: “Биз, қулларингиз, ёшлигимиздан
ҳозиргача чўпонлик билан машғулмиз, ота–боболаримиз ҳам чўпон бўлиб
ўтишган”, деб айтинглар. Токи Гўшен ерларига ўрнашиб олишларингизга у
ижозат берсин. Чунки Мисрликлар чўпонлардан ҳазар қилишади.

47–БОБ

1-2 Юсуф акаларидан бештасини фиръавн ҳузурига олиб бориб, унга шундай
деди: “Менинг отам билан ака–укаларим мол–қўйларини, бутун мулкини олиб,
Канъон юртидан келишди. Улар ҳозир Гўшен ерларида*.” Сўнг Юсуф акаларини
фиръавнга таништирди. 3 Фиръавн улардан:

— Касб–корингиз нима? — деб сўради.

— Биз, қулларингизнинг касби чўпон, ота–боболаримиз ҳам чўпон ўтишган, —
деб жавоб беришди улар фиръавнга. 4 — Биз, Мисрда истиқомат қилиб турсак, деб
келдик. Чунки қўй–эчкиларимиз учун Канъонда яйлов йўқ, у ерда оғир
қаҳатчилик. Сиз, жаноби олийларидан илтимосимиз шуки, биз, қулларингизга,
Гўшен ерларида истиқомат қилиб туришимиз учун ижозат берсангиз.

5 Шунда фиръавн Юсуфга деди:

— Отанг, ака–укаларинг сенинг олдингга келишган экан, 6 ана, Миср юрти
уларники. Уларни юртнинг энг яхши ерига — Гўшен ерларига жойлаштир. Агар
уларнинг орасида уддабуронлари бўлса, менинг чорвамни ҳам уларга топшириб
қўй.

7 Сўнг Юсуф отаси Ёқубни бошлаб келиб, фиръавн ҳузурига олиб кирди. Ёқуб
фиръавнни дуо қилди*.

8 — Ёшингиз нечада? — деб сўради фиръавн Ёқубдан.

9 — Бир юз ўттиз йилдан бери бу дунёда меҳмонман, — деди Ёқуб фиръавнга.

— Ота–боболарим ҳам бу дунёдан меҳмон бўлиб ўтдилар. Лекин менинг ҳаётим тез ва қийинчилик билан кечди, мен ҳали ота–боболарим ёшига етмадим.
10 Шундан кейин Ёқуб фиръавнни яна дуо қилиб, унинг ҳузуридан чиқди.
11 Фиръавн амр бергандай, Юсуф отасини, акаларини Мисрдаги энг яхши ерларга — Рамзес шаҳри яқинидаги ерларга* жойлаштирди. 12 Юсуф отасини, ака–укаларини, отасининг жамики хонадони аҳлини, уларнинг сонига қараб, озиқ–овқат билан таъминлади.

Қаҳатчилик

13 Қаҳатчилик тобора кучайиб бораверди. Қаҳатчилик Миср ва Канъон юртини хароб қилди. 14 Юсуф донни кумушга* алмаштириб, Мисрдаги ва Канъондаги бор кумушларни йиғиб олди. У кумушларни фиръавннинг хазинасига олиб келиб тўплайверди. 15 Миср ва Канъон халқлари кумушларини сарф қилиб бўлди. Ҳамма Мисрликлар Юсуфнинг ҳузурига келишарди. “Кумушларимиз тугади, лекин бизга дон берсинлар! Жанобларининг кўз ўнгиларида ўлиб кетмайлик!” деб ялинишарди. 16 Юсуф эса уларга: “Агар кумушларингиз тугаган бўлса, мол–ҳолингизни олиб келинглар, эвазига дон бераман”, деб жавоб қиларди.
17 Шундай қилиб, улар чорвасини Юсуфга олиб келишарди. Юсуф уларнинг отларини, қўй–эчкиларини, подаларини, эшакларини олиб, эвазига дон берарди. Ўша йили Юсуф уларнинг чорвасини олиб, эвазига егулик берди. 18 Келгуси йили улар яна Юсуфнинг ҳузурига келиб, ҳасрат қилишди: “Биз жаноби олийларидан яшириб нима ҳам қилардик: кумушларимиз тугаган, мол–қўйларимиз ўзлариники бўлди. Жаноби олийларига танамизу еримиздан ташқари берадиган нарсамиз қолмади. 19 Жанобларининг кўзи олдида ўзимиз ҳам, еримиз ҳам нобуд бўлиб кетмасин. Ўзимизни ҳам, ерларимизни ҳам сотиб олиб, эвазига дон берсинлар. Биз ерларимизни фиръавнга бериб, ўзимиз унга қул бўлишга тайёрмиз. Ҳозироқ бизга дон–дун берсалар, токи ўлмай тирик қолайлик, ерларимиз ташландиқ бўлиб қолмасин.”
20 Шундай қилиб, Юсуф Мисрдаги жамики ерларни фиръавн учун сотиб олди. Қаҳатчилик ниҳоятда кучайганидан, ҳамма Мисрликлар далаларини Юсуфга сотдилар. Уларнинг ҳамма ерлари фиръавнники бўлиб қолди. 21 Шу тариқа Мисрнинг бу четидан у четигача бўлган бутун халқ фиръавнга қул бўлиб қолди*.
22 Юсуф фақат руҳонийларнинг ерларинигина сотиб олмади. Чунки уларга фиръавн томонидан озиқ–овқат тайинланган бўлиб, ерларини сотишларига зарурат йўқ эди. 23 Шундан сўнг Юсуф халққа айтди:
— Ўзларингиз ҳам, ерларингиз ҳам энди фиръавнники. Мана сизларга уруғ, далага экинглар. 24 Ҳосилни йиғиб олганларингизда, бешдан бирини фиръавнга берасизлар, бешдан тўрт қисми ўзларингизники бўлади, келгуси йил ҳосили учун уруғлик қиласизлар, бола–чақаларингиз билан еб, тирикчилик қиласизлар.
25 — Сиз бизга илтифот кўрсатдингиз, сиз бизнинг ҳаётимизни сақлаб қолдингиз, жаноби олийлари! — деб айтди халқ. — Шунинг учун биз фиръавнга қул бўламиз.
26 Фиръавн ҳосилнинг бешдан бирини оладиган бўлди. Юсуф буни бутун Миср юрти бўйлаб қонун қилиб қўйди. Бу қонун бугунгача* бор. Фақат руҳонийларнинг ерларигина фиръавннинг мулки бўлмади, холос.

Ёқубнинг охирги васияти

27 Шундай қилиб, Ёқуб* насли Мисрнинг Гўшен ерларига ўрнашиб қолди. Ёқуб
насли у ерда мулк орттирди, аҳолиси кўпайиб борди. 28 Ёқуб Миср юртида 17 йил
яшади. У 147 йил умр кўрди.
29 Ёқубнинг умри охирлаб қолди. У ўғли Юсуфни чақириб шундай деди:
— Агар мендан рози бўлсанг, қўлингни соним остига қўйиб*, “Сизнинг
васиятингизни бажараман”, деб қасам ич*. Охирги васиятим шуки, мени Мисрда
дафн қилмагин. 30 Бу оламдан ўтганимдан кейин, жасадимни Мисрдан олиб кетиб,
ота–боболаримнинг хилхонасига* дафн қил.
Юсуф: “Айтганингиздай қиламан”, деб ваъда берди. 31 Ёқуб: “Менинг олдимда
қасам ич”, деб талаб қилди. Юсуф қасам ичди. Ёқуб ўз тўшаги устида сажда қилди.

48–БОБ

Ёқуб Эфрайим билан Манашени дуо қилади

1 Бир куни Юсуфга: “Отангиз касал” деган хабар етиб келди. Юсуф иккала
ўғлини — Манаше билан Эфрайимни ёнига олиб, отасининг ҳузурига борди.
2 Ёқуб Юсуфнинг келганини эшитгач, кучини йиғиб, тўшагига ўтирди. 3 Ёқуб
Юсуфга деди:
— Қодир Худо Канъон юртидаги Луз шаҳрида* менга зоҳир бўлган ва
марҳамат кўрсатиб, 4 шундай деган эди: “Мен сени баракали қилиб, наслингни
кўпайтираман. Мен сендан кўп халқларни яратаман. Бу ерни сендан кейин
наслингга абадий мулк қилиб бераман.” 5 Мен Мисрга келмасимдан аввал
Эфрайим билан Манаше бу ерда туғилган эдилар. Шу иккала ўғлинг энди менинг
ўғилларимдир. Рубен ва Шимўн менга қандай ўғил бўлса, сенинг иккала ўғлинг
ҳам менинг ўғилларим бўлади. 6 Эфрайим билан Манашедан кейин туғиладиган
ўғилларинг эса ўзингники бўлади. Туғиладиган ўғилларингга Эфрайим ва
Манашега қарашли ерлардан мерос берилсин. 7 Буни шу сабабдан қиляпманки,
мен Паддондан* қайтиб келаётганимда, афсуски, онанг Роҳила Канъон юртида —
Эфратга етиб бормасдан йўлда оламдан ўтган эди. Мен уни ўша ерда — Эфратга
борадиган йўл бўйида дафн қилганман. (Эфрат ҳозир Байтлаҳм* деб юритилади.)
8-10 Бу пайтга келиб Ёқубнинг* кўзлари кексаликдан хиралашган, яхши кўрмас
эди. Ёқуб Юсуфнинг ўғилларини кўрганда, “Булар кимлар?” деб сўради.
— Булар Худо шу ерда менга берган ўғилларим, — деб жавоб берди Юсуф.
— Менга яқинроқ олиб келгин уларни, дуо қилайин.
Юсуф ўғилларини отасига яқинроқ олиб борди. Ёқуб болаларни бағрига босиб,
ўпди. 11 Ёқуб Юсуфга деди:
— Мен сени ҳеч қачон кўрмайман, деб ўйлаган эдим. Аммо Худо сенинг
болаларингни ҳам кўришни насиб этди.
12 Юсуф болаларни отасининг тиззасидан* олди ва отасига мук тушиб таъзим
қилди. 13 Юсуф ўнг қўли билан Эфрайимни ушлаб, Ёқубнинг чап томонига, чап
қўли билан Манашени ушлаб, Ёқубнинг ўнг томонига яқинроқ олиб келди.
14 Лекин Ёқуб қўлларини чалиштирди–ю, ўнг қўлини* кенжа ўғил Эфрайимнинг
бошига, чап қўлини тўнғич ўғил Манашенинг бошига қўйди. 15 Сўнгра Юсуфни
дуо қилди*:

“Ота–боболарим Иброҳим ва Исҳоққа йўл кўрсатган Худо,
Умрим бўйи менинг чўпоним бўлган Худо,
16 Барча офатлардан мени сақлаган фаришта
Бу болаларга ҳам марҳамат кўрсатсин.
Менинг номим, бобом Иброҳим, отам Исҳоқнинг номи
Шу болалар орқали яшасин, ер юзида улар лак–лак кўпайсин.”

17 Лекин отаси ўнг қўлини Эфрайимнинг бошига қўйгани Юсуфга ёқмади. Шунинг учун отасининг ўнг қўлини Эфрайимнинг бошидан Манашенинг бошига олиб қўймоқчи бўлди.
18 — Бундай эмас, ота, — деди Юсуф, — буниси тўнғичи, ўнг қўлингизни унинг бошига қўйинг.
19 Лекин отаси рози бўлмади:
— Биламан, ўғлим, биламан. Манашенинг насли ҳам буюк халқ бўлади. Лекин Эфрайимнинг авлоди, Манашеникига қараганда, янада буюк бўлиб, Эфрайимнинг авлодидан кўп халқлар келиб чиқади.
20 Ёқуб ўша куни Эфрайим билан Манашени шундай деб дуо қилди:

“Исроил халқи сизларнинг номингизни айтар бир–бирини дуо қилганда,
Эфрайим ва Манашедай қилсин сени Худо, деб айтганларида.”

Шундай қилиб, Ёқуб Эфрайимни Манашедан юқори қўйди.
21 Шундан кейин Ёқуб Юсуфга деди:
— Менинг умрим охирлаб боряпти. Лекин Худо сизлар билан бирга бўлади, сизларни ота–боболарингизнинг ерига яна қайтариб олиб боради. 22 Шакамни* эса акаларингга эмас, сенга беряпман. Бу ҳосилдор ерларни мен қиличу камоним билан Амор халқларидан тортиб олганман*.

49–БОБ

Ёқубнинг сўнгги сўзлари

1 Ёқуб ўғилларини ҳузурига чорлаб деди: “Ёнимга келинглар, келгусида сизларга нима бўлишини айтай.

2 Келинг, қулоқ солинг, эй Ёқуб ўғиллари,
Эшитинг отангиз Исроилнинг сўзларини.

3 Рубен, сенсан менинг тўнғичим,
Қувватимнинг илк меваси, ҳам қудратим,
Шуҳрату қудратда юксаги сенсан.
4 Лекин денгиз тўлқинидай бетизгинсан,
Бундан кейин асло устун бўлмайсан.
Отангнинг ётоғига сен кирдинг,
Тўшагимга чиқиб, уни булғадинг*.

5 Шимўн билан Леви ҳамтовоқлардир,

Қиличлари жабр–жафо қуролидир*.
6 Ҳеч қачон шерик бўлмасман уларнинг фитналарига,
Асло қўшилмасман уларнинг йиғинларига.
Улар ғазаб ила ўлдирдилар инсонларни,
Роҳатланиш учун майиб қилдилар ҳўкизларни.
7 Лаънат бўлсин уларнинг раҳмсиз ғазабига,
Лаънат бўлсин уларнинг беаёв зулмларига!
Тарқатиб юбораман уларни ҳар томонга,
Ёқубнинг юртида — Исроилнинг юртида.

8 Эй Яҳудо*, сени мадҳ этар биродарларинг,
Ғанимларинг гарданида бўлар қўлларинг.
Сенга таъзим қилишар отангнинг ўғиллари.
9 Яҳудо шернинг боласига ўхшар,
Ўғлим, овдан қайтиб келдинг сен,
Шердек чўкиб, чўзилиб ётарсан.
Сени уйғотмоққа ким журъат этар?!
10 Яҳудонинг қўлидан кетмас салтанат ҳассаси*,
Унинг наслида қолар салтанат тамғаси,
Халқлар унга ўлпон келтирарлар*,
Унга итоат этиб таъзим қиларлар.
11 Эшагини у доим боғлайди токка,
Хўтикчани — ток новдасига.
Шаробда ювади кийимларини
Аъло шаробда — кўйлакларини*.
12 Шаробдан ҳам қора кўзлари,
Сутдан ҳам оппоқ тишлари*.

13 Забулун ўрнашади денгиз бўйида,
Кемаларга у бандаргоҳ бўлажак.
Унинг чегараси Сидонгача* боражак.

14 Иссахор қўрада* ўрнашиб ётган
Кучли эшакка ўхшар.
15 Кўрсаки, ўрнашган ери нақадар яхши,
Жуда ёқимли экан бу жойлар.
Юкни кўтармак чун елкасин тутди,
Оғир меҳнатга у қул бўлиб қолди.

16 Исроил қабиласининг биттаси бўлиб,
Дан* ўз халқини ҳукм қилади.
17 Дан йўлда ётган бир илон бўлади,
Сўқмоқда чўзилиб ётган заҳарли илон.
Отларнинг тўпиғини у чақиб олар,
Чавандоз йиқилар, чалқанча тушар.

18 Сендан нажот кутарман, эй Эгам!*

19 Гадни* талаб кетади босқинчилар,
Гад уларнинг изидан бостириб борар.

20 Ошер тансиқ таом етиштирар,
Шоҳона ноз–неъматлар тайёрлар.

21 Нафтали озод юрган оҳуга ўхшар,
Ажойиб оҳучалар дунёга келтирар*.

22 Юсуф ўхшар серҳосил токка —
Булоқ бўйидаги серҳосил узумга.
Унинг новдалари девордан ошиб ўтар*.
23 Раҳмсиз камонкашлар унга ҳужум қилишди,
Ўқ отишди унга, қаттиқ сиқишди.
24 Лекин Юсуфнинг камони таранг тортилди,
Унинг қўллари ҳам чаққонлашди
Ёқубнинг қудратли Худоси кучи туфайли,
Исроилнинг Чўпони, Қояси туфайли.
25 Отангнинг Худоси сенга мадад бергай,
Қодир Худо сенга марҳамат кўрсатгай
Юқоридаги осмон баракалари ила,
Ер қаъридан чиққан сувнинг баракалари ила,
Она кўкрагию пуштининг баракаси ила.
26 Абадий тоғлар баракасидан* ҳам,
Қадим тепаликлар неъматидан ҳам,
Отангнинг дуолари кучлидир.
Бу баракалар Юсуфга насиб этар,
Биродарлари ичра у йўлбошчи бўлар.

27 Бенямин оч бўрига ўхшар,
Сабоҳда у ўлжасини ямлаб ютар,
Оқшомда у топганини бўлишар.”

28 Исроилнинг ўн икки қабиласи ана шулар бўлиб, отаси уларни дуо қилганда, юқоридаги сўзларни айтган эди. Ҳар бирини ўзига лойиқ тарзда дуо қилди.

Ёқуб вафот этиб, дафн қилинади

29 Шундан сўнг Ёқуб ўғилларига васият қилди:
— Менинг куним битиб боряпти. Мени Хет халқидан Эфрўннинг даласидаги ғорга — ота–боболарим ёнига дафн қилинглар. 30 Ўша ғор Канъон юртида, Мамре шарқида жойлашган Махпаладаги далада. Бобом Иброҳим бу далани Эфрўндан қабристон учун сотиб олган. 31 У ерга бобом Иброҳим билан бувим Сора дафн қилинган*. Отам Исҳоқ билан онам Ривқо ҳам у ерга дафн қилинган. У ерга мен Леахни дафн қилганман. 32 Бобом Иброҳим Хет халқидан сотиб олган ғор ўшадир.
33 Ёқуб ўғилларига васият қилиб бўлгач, яна тўшагига ётди–ю, жони узилиб,

ота–боболари ёнига кетди.

50–БОБ

1 Юсуф ўзини отасининг устига ташлаб, йиғлаганича, уни ўпди. 2 Юсуф қўл
остидаги табибларга: “Отамнинг жасадини мумиёланглар!” деб амр берди.
Табиблар Ёқубнинг* жасадини мумиёлашди. 3 Улар бу иш учун қирқ кун вақт сарф
қилдилар. Чунки мумиёлаш учун шунча вақт талаб қилинар эди. Мисрликлар
Ёқуб учун етмиш кун аза тутишди.

4 Аза муддати тугагач, Юсуф фиръавннинг аъёнлари ҳузурига келиб, деди:

— Агар мен сизларнинг илтифотингизга сазовор бўлсам, фиръавн жаноби
олийларига шу гапларни етказсангизлар: 5 “Отам менга қасам ичириб, оламдан
ўтганимдан кейин, жасадимни Канъон юртига олиб бориб, ўзим учун мен қазиган
қабрга дафн қил, деб айтган. Энди отамни дафн қилгани боришимга ижозат
берсалар. Отамни дафн қилганимдан кейин қайтиб келаман.”

6 — Майли, боравер, — деб ижозат берди фиръавн, — қасамни адо қилиб,
отангни дафн қилиб кел.

7 Шундай қилиб, Юсуф отасини дафн қилгани жўнади. Фиръавннинг ҳамма
аъёнлари — саройидаги амалдорлар, Миср юртидаги барча амалдорлар Юсуф
билан бирга кетишди. 8 Шунингдек, Юсуфнинг барча оила аъзолари, ака–укалари,
отасининг қолган хонадони аҳли ҳам Юсуф билан бирга кетишди. Фақат
уларнинг болалари, қўй–эчкилари, подалари Гўшен ерларида* қолдирилди. 9 Ғоят
катта жамоа Юсуфга ҳамроҳ бўлди. У билан бир талай аравакашлар ва жанг
аравалари ҳам кетди. 10 Улар Иордан дарёси шарқидаги Отад деган хирмонга етиб
келдилар. У ерда узоқ вақт оғир таъзия маросими ўтказдилар. Шундай қилиб,
Юсуф отаси учун етти кун аза маросими ўтказди. 11 Канъон халқлари бу ердаги
аза маросимини кўриб: “Мисрликлар қандай оғир аза маросими ўтказяптилар–а!”
деб айтдилар. Шунинг учун бу жойга Овил–Мисрайим* деб ном қўйдилар.
12 Шундай қилиб, Ёқуб ўғилларига қандай васият қилган бўлса, ўғиллари
оталарининг васиятини тўла–тўкис бажардилар. 13 Улар оталарининг жасадини
Канъон юртига олиб келиб, Махпаладаги далада жойлашган ғорга дафн
қилдилар*. Иброҳим ўз оиласига қабристон учун Хет халқидан бўлган Эфрўндан
сотиб олган Мамре шарқидаги ғор шудир. 14 Юсуф отасини дафн қилгандан
кейин, ака–укаларини, отасини дафн қилгани бирга келган ҳамроҳларини
эргаштириб Мисрга қайтди.

Юсуф акаларига тасалли беради

15 Оталари вафот этгандан кейин, Юсуфнинг акалари: “Биз Юсуфга ёмонлик
қилган эдик, энди у ўша ёмонликларимиз учун кек сақлаб юрган бўлса, биздан ўч
олади”, деб қўрқа бошладилар. 16 Шунинг учун улар Юсуфга шундай хабар
юбордилар: “Отамиз вафотидан олдин бизга, 17 Юсуфнинг ҳузурига бориб
айтинглар, мен ундан ўтинаман, сизлар унга қарши қилган оғир
жиноятларингизни унутсин, деб айтган эдилар. Илтимос қиламиз, отанг
Худосининг бу қуллари қилган жиноятларни унутгин.” Юсуф шу хабарни
эшитганда, йиғлаб юборди. 18 Кейин акалари ҳам келиб: “Биз сенинг
қулларингмиз”, деб Юсуфнинг оёқларига йиқилдилар. 19 Лекин Юсуф акаларига:

— Қўрқманглар, мен сизларни ҳукм қилиб, жазолайдиган Худо эмасман–ку! — деди. 20 — Сизлар менга раво кўрган ёмонликни Худо яхшиликка ишлатди. Сон–саноқсиз одамларни сақлаб қолиш учун У мени шу ерга олиб келди.
21 Шунинг учун қўрқманглар, мен ўзларингизни ҳам, бола–чақаларингизни ҳам боқаман.

Юсуф акаларига мулойим гапириб, уларга тасалли берди.

Юсуф вафот этади

22 Шундай қилиб, Юсуф, унинг ака–укалари, уларнинг оилалари Мисрда яшаб қолдилар. Юсуф 110 йил умр кўрди. 23 Юсуф Эфраймнинг невара–чевараларини ҳам кўрди. Манашенинг ўғли Мохирнинг болалари туғилганда, Юсуф ҳаёт эди. Юсуф бу болаларни ҳам фарзандлари қаторига қабул қилди.

24 “Менинг умрим охирлаб боряпти, — деди Юсуф ака–укаларига. — Лекин Худо сизларни кузатиб туради, сизларни бу юртдан олиб чиқиб, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга бераман, деб қасам ичган юртга қайтариб олиб боради.” 25 Сўнг Юсуф Исроил уруғларига қасам ичдириб: “Худо сизларнинг олдингизга келганда, сизлар менинг суякларимни бу ердан олиб кетинглар”, — деди. 26 Юсуф 110 йил яшаб, оламдан ўтди. Унинг жасадини мумиёлаб, Мисрда бир тобутга солдилар.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Худо азалда осмон билан ерни яратди* — бу оят яратилиш ҳикоясининг кириш қисмидир. Ушбу бобнинг 3-31–оятларида баён этилган Худонинг олти кун давомидаги яратиш фаолияти бу оятда қисқача ўз ифодасини топган. Ибронийчадаги *осмон билан ер* жумласи бутун дунёни ва ундаги барча борлиқни билдиради.

1:2 *Ер шаклсиз ва бўм–бўш бўлиб…Худонинг Руҳи сувлар узра юрарди* — Худо шу бобнинг 3–оятида гапиришни бошлаганда, дунёнинг аҳволи қандайлиги мана шу оятда тасвирланган. Мазкур бобнинг 3-31–оятларида Худо борлиқни тартибга солганлиги ва дунёга ҳаёт берганлиги ҳақида сўз юритилади.

1:5 *Кеч кириб, тонг отди* — қоронғилик (тун) ва ёруғлик (кундуз) вақтига ишора қилувчи шеърий жумла. Қадимда Исроил халқининг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланиб, кейинги куни қуёш botгунча давом этар эди. Бу жумла яна шу бобнинг 8, 13, 19, 23 ва 31–оятларида ишлатилган.

1:7 *…гумбазни яратиб, гумбазнинг остидаги сувлардан гумбаз устидаги сувларни ажратди* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, осмон улкан шиша гумбазга ўхшар эди, бу гумбаз осмондаги сувларни ушлаб турарди. Гумбаз остидаги сувлар бу оятда ер сатҳини қоплаб турган буюк денгиз сувларини билдиради (шу бобнинг 2–оятига қаранг).

1:14 *нишонланадиган байрамлар* — ибронийча матнда *белгиланган вақтлар*. Деҳқончилик мавсумларига оид байрамларга ишора. Бу ибронийча иборани *белгиланган фасллар* деб таржима қилса ҳам бўлади.

1:24 *судралиб юрувчи жониворлар* — шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўз ерда судралиб юрадиган ва ер остига уя қуриб яшайдиган майда жониворларни, судралиб юрувчиларни ва ҳашаротларни билдиради.

1:26 *Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган бўлсин* — Худо одамни Ўз суратидай, Ўзига ўхшаш қилиб яратган. У яратган бошқа нарсаларга қараганда, одам яққол ажралиб туради. Инсон зотининг яратилиши яратилиш ҳикоясининг чўққиси ҳисобланади.

1:26 *…ер юзидаги чорва ҳамда жамики ёввойи ҳайвонлар…* — қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *…чорва, бутун ер юзи….*

2:4 *Осмон билан ер* — 1:1 изоҳига қаранг.

2:6 *…сув чиқиб…* — ёки *…буғ кўтарилиб….*

2:7 *одам* — ибронийча матндаги одам (*адам*) ва тупроқ (*адама*) сўзлари оҳангдошдир.

2:12 *марварид* — ёки *хушбўй елим*.

2:13 *Куш* — ибронийча матнда *Куш* сўзи одатда Мисрдан жанубда жойлашган ерларни билдиради. Бу ерлар ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди. Бироқ бу оятда ҳозирги Эроннинг ғарбидаги ерлар назарда тутилган бўлиши мумкин.

2:23 *…Хотин…эркакдан…* — ибронийча матндаги хотин (*иша*) ва эркак (*иш*) сўзлари оҳангдошдир.

3:5 *Худо* — ёки *худолар* ёхуд *илоҳий мавжудотлар*.

3:18 *қушқўнмас* — майда тиканли ёввойи ўт.

3:20 *Одам Ато* — ибронийча матнда *одам*. Ибронийча матнда *одам* ва *Одам Ато* учун бир сўз ишлатилган. Бу оятдан бошлаб матнда бу сўз Одам Атога нисбатан ишлатилганда исм сифатида таржима қилинган.

3:20 *Момо Ҳаво* — бу исм ибронийчадаги *тириклар* сўзига оҳангдош. Мазкур оятда шу ибронийча *тириклар* сўзи *инсонлар* деб таржима қилинган.

3:24 *карублар* — қанотли самовий мавжудотлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

4:1 *Қобил* — бу исм ибронийчадаги *эга бўлмоқ* сўзига оҳангдош.

4:7 *…сени қабул қилмасмидим?!* — ёки *…назрингни қабул қилмасмидим?!* ёхуд *…хурсанд бўлмасмидинг?!*

4:8 *Қобил укаси Ҳобилга: "Юр, далага борамиз", деб таклиф қилди* — қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Қобил укаси Ҳобил билан гаплашди*.

4:16 *Нод* — ибронийчадаги маъноси *дарбадарлик*.

4:25 *Шис* — бу исм ибронийчадаги *берилган* сўзига оҳангдош.

5:3 *…ўғил кўрган эди* — ибронийча матнда бу жумла *унинг наслида ўғил туғилган эди* деган маънони ҳам англатиши мумкин. Одатда Муқаддас Китобда берилган насабномаларда ҳамма наслларнинг тўлиқ рўйхати берилмай, фақат маълум бир авлоднинг маълум бир аждоддан келиб чиққани кўрсатилади.

5:6 *…ўғли…кўрган эди* — бу оятда ҳамда шу бобнинг 7-26–оятларида ишлатилган бу ибронийча жумла *унинг наслида…туғилган эди* деган маънони ҳам англатиши мумкин (шу бобнинг 3–ояти изоҳига қаранг).

5:18 *Ханўх* — шарқ ёзма адабиётида Идрис пайғамбар деб эътироф этилган.

5:29 *Нуҳ* — бу исм ибронийчадаги *енгил тортмоқ* сўзига оҳангдош.

6:2 *Илоҳий зотлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Худонинг ўғиллари* ёки *Худоларнинг ўғиллари* (шу бобнинг 4–оятида ҳам бор). Бу ибронийча ибора Эски Аҳднинг бошқа жойларида ҳам илоҳий зотларга нисбатан ишлатилгани учун (Аюб 1:6, 2:1, 38:7 га қаранг), олимларнинг аксарияти бу ибора мазкур оятда ҳам илоҳий зотларни билдиради, деб таъкидлашади (яна 1 Бутрус 3:19-20, 2 Бутрус 2:4, Яҳудо 6-7–оятларга қаранг). Бироқ баъзи олимлар Эски Аҳднинг бошқа оятларига асосланган ҳолда (мисол учун, Қонунлар 14:1, 2 Шоҳлар 7:14 га қаранг), бу ерда инсон зоти ҳақида сўз юритилган деб айтишади, чунки бунга ўхшаш иборалар ўша оятларда одамга нисбатан ишлатилган. Бу олимлардан баъзиларининг шарҳлашича, мазкур ибора ўзига катта ҳарамлар яратган, қудратли ҳукмдорлар бўлган Ламехга ўхшаш (4:19 га қаранг) мағрур кишиларга ишора қилади. Бошқа олимларнинг таъкидлаши бўйича, бу оятда Шиснинг авлодлари назарда тутилган. Шис Нуҳ пайғамбарнинг, шунингдек, Худо

танлаган Исроил халқининг бобокалони эди. Бу нуқтаи назарга биноан Шиснинг авлодлари Қобилнинг авлодига мансуб бўлган аёлларга (“матнда чиройли қизлар”, деб айтилган) уйланган ва шу туфайли фосиқ йўлга кирганлар (бу оятга тегишли кейинги изоҳни ўқинг).

6:2 *бу қизлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *инсон зотининг қизлари* (шу бобнинг 4–оятида ҳам бор). Кўп олимларнинг шарҳлашича, бу ибронийча ибора умуман аёлларга нисбатан ишлатилган. Бироқ олимларнинг баъзилари бу ерда айнан Қобилнинг авлодига мансуб бўлган аёллар назарда тутилган, деб таъкидлашади (бу оятга берилган юқоридаги изоҳни ўқинг). Худо Қобилни лаънатлаган эди (4:10-12 га қаранг).

6:3 *Руҳ* — бу оятда барча жонзотга ҳаёт ато этувчи Худонинг ҳаётбахш қудрати назарда тутилган.

6:3 *Мен ато этган Руҳ инсонлар билан абадий қолмайди…* — ёки *Менинг Руҳим инсонлар билан абадий курашмайди….*

6:3 *…улар ўладиган жонлардир* — ёки *…улар ярамасдир*.

6:4 *улкан паҳлавонлар* — ибронийча матнда *нефилим*. Бу сўз ҳайбатли ва кучли одамларга нисбатан ишлатилган (яна Саҳрода 13:34 га қаранг). Тўфондан олдин яшаган Нефилимлар бу оятда ва мазкур бобнинг 2–оятида тилга олинган илоҳий зотлар ва аёл зотининг авлодлари эдилар.

6:4 *аёл зоти* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *инсон зотининг қизлари*. Шу бобнинг 2–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

6:14 *Қаттиқ ёғоч* — ибронийча матнда *гофер ёғочи*. Қандай турдаги ёғоч эканлиги номаълум.

6:15 *…узунлиги 300 тирсак, кенглиги 50 тирсак, баландлиги 30 тирсак…* — узунлиги тахминан 135 метрга, кенглиги тахминан 22,5 метрга, баландлиги тахминан 13,5 метрга тўғри келади.

6:16 *бир тирсак* — тахминан 45 сантиметрга тўғри келади.

6:16 *Кеманинг томини ясаганингда…очиқ жой қолдир* — ёки *Кеманинг гир айланасида, томдан бир тирсак пастроғида очиқ жой қолдир*.

7:2 *…ҳалол ҳайвонлар…ҳаром ҳайвонлар…* — бу оятда Худога қурбонлик қилса бўладиган ҳайвонларга нисбатан *ҳалол ҳайвонлар* ибораси, қурбонлик қилишга ярамайдиган ҳайвонларга нисбатан эса *ҳаром ҳайвонлар* ибораси ишлатилган (8:20 га қаранг). Ҳалол ва ҳаром ҳайвонлар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Левилар 11:1-47 га қаранг.

7:11 *…ер остидаги булоқлар отилиб чиқди…* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди. Бу матнда ўша улкан денгизнинг сувлари отилиб чиқиб, ер юзини қоплагани назарда тутилган.

7:11 *…осмоннинг қопқалари очилди* — тинмай жала қуя бошлади. Қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, осмон гумбаз шаклида бўлиб, осмон қопқалари гумбаз устидаги сувлардан ерни ҳимоя қилиб турар эди (1:6-8 оятларга ва 1:7

изоҳига қаранг).

7:20 *ўн беш тирсак* — тахминан 7 метрга тўғри келади.

8:2 *Ер остидаги булоқлар* — 7:11 нинг биринчи изоҳига қаранг.

8:2 *осмоннинг қопқаси* — 7:11 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

8:4 *Еттинчи ойнинг ўн еттинчи куни* — тўфон бошлангандан беш ой ўтгач (7:11 га қаранг).

8:5 *ўнинчи ойнинг биринчи куни* — тўфон бошлангандан тахминан етти ярим ой ўтгач (7:11 га қаранг).

8:13 *биринчи ойнинг биринчи куни* — тўфон бошлангандан тахминан ўн ярим ой ўтгач (7:11 га қаранг).

8:14 *иккинчи ойнинг йигирма еттинчи куни* — тўфон бошлангандан тахминан ўн икки ярим ой ўтгач (7:11 га қаранг).

8:20 *...ҳалол ҳайвон...ҳалол қуш...* — 7:2 изоҳига қаранг.

9:13 *...Ўз камалагим...* — бу оятдаги ҳамда шу бобнинг 14, 16–оятларидаги ибронийча сўз *камон* сўзини ҳам билдиради.

9:22 *...Хом отасининг яланғоч ётганини кўрди...акаларига айтди* — Хомнинг акалари отасини ниҳоятда ҳурмат қилганлари учун, унинг яланғоч танасига қарамасликка ҳаракат қилганлар (шу бобнинг 23–оятига қаранг), Хом эса, акаларидан фарқли равишда, ўз қилмиши билан отасини шарманда қилди.

9:24 *кенжа ўғли* — шу бобнинг 18–оятида Нуҳнинг ўғиллари Сом, Хом ва Ёфас, деб кўрсатилган. Исмларнинг шу тартибда ёзилишига қарамай, бу ҳикоя кўрсатиб турибдики, Хом Нуҳнинг кенжа ўғил экан.

9:25 *Канъон* — нимага Нуҳ Хомнинг ўрнига Канъонни лаънатлади? Кўп олимларнинг шарҳлашича, Хомнинг бундай бузуқ хулқ–атвори ўғли Канъоннинг авлодларига ҳам хос эди. Бу оятда айтилган башорат келажакда Канъон авлодининг бошига тушадиган ҳукмни билдиради (яна 15:16 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг). Кейинчалик Канъон халқи ахлоқий бузуқлиги ва бутпарастлиги билан танилиб, Канъон юртини босиб олган Исроил халқи томонидан бутунлай қириб ташланади (Исроил халқи Сомдан келиб чиққан, шу бобнинг 26–оятига қаранг). Баъзи олимларнинг таъкидлашича, Хом Нуҳнинг кенжа ўғли бўлгани учун, Нуҳ Хомнинг кенжа ўғли Канъонни лаънатлаган эди. Баъзи олимлар эса, Худо яқиндагина Хомни баракалагани учун (9:1 га қаранг) Нуҳ ўғлини лаънатлай олмай, Хомнинг ўғлини лаънатлаган эди, деб таъкидлашади.

9:25 *...акаларига* — Сом ва Ёфасга ёки уларнинг авлодларига.

9:27 *Худо Ёфасга мўл ер берсин...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Худо Ёфасни кенгайтирсин...*. Ёфас ибронийчадаги *кенгайтирмоқ* сўзига оҳангдош.

10:1 *Уларнинг насл–насаби ва улардан келиб чиққан халқлар...* — бу рўйхатда берилган номларнинг баъзилари Сом, Хом ва Ёфас авлодидан келиб чиққан маълум инсонларга, баъзи номлар эса улардан келиб чиққан халқларга тегишлидир. Рўйхатда халқлар ўрнашган юртларнинг номлари ҳам келтирилган.

10:4 *Рўдон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Дўдон*. Унинг Рўдон

деган шакли 1 Солномалар 1:7 дан олинган.

10:5 *Улар* — шу бобнинг 2-4–оятларида айтиб ўтилган Ёфаснинг насли назарда тутилган. Баъзи таржималар *Ёфаснинг насли ана шулардан иборат эди* деган иборани гапнинг бошига қўшади, чунки шунга ўхшаш гап шу бобнинг 20, 31–оятларида ишлатилган. Ибронийча матнда айнан шу маъно назарда тутилган бўлиши мумкин.

10:6 *Куш* — Мисрдан жанубда ўрнашган халқнинг бобокалони эди. Ибронийча матндаги бу сўз одатда *Ҳабашистон* деб таржима қилинади. Қадимги Ҳабашистон ҳудуди ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг баъзи қисмларини ўз ичига олган.

10:6 *Мизра* — Миср халқининг бобокалони эди. Ибронийча матндаги бу сўз одатда Миср деб таржима қилинади.

10:10 *Шинар ери* — Месопотамиядаги, яъни Дажла ва Фурот дарёлари орасида жойлашган ерлардаги бир ҳудуднинг қадимги номи. Кейинчалик бу ҳудудда Бобил шоҳлиги барпо бўлган.

10:10 *...шаҳарларининг ҳаммасини...* — ёки *...Калней шаҳарларини....*

10:11 *Нимрўд ўша ердан Оссурияга бориб...* — ёки *Ошур ўша ердан чиқиб...* (Ошур Оссурия халқининг бобокалони эди).

10:11 *Найнаво* — Ниневия номи билан ҳам маълум.

10:14 *Каслувдан Филист халқи келиб чиқди* — ибронийча матндан. Эски Аҳднинг баъзи жойларида, Филист халқи Хафтўрдан келиб чиққан, деб ёзилган (Еремиё 47:4, Амос 9:7 га қаранг). Шу боис, баъзи таржималарда Каслув ўрнига Хафтўр сўзи ишлатилиб *Хафтўрдан Филист халқи келиб чиқди* деб айтилган. Оятдан кўриниб турибдики, Каслув ва Хафтўр қондош халқлар бўлган. Филистлар Каслув халқи истиқомат қилган ерлардан келиб чиқиб, кейинчалик Хафтўрда, яъни ҳозирги Крит оролида ўрнашган бўлишлари мумкин. Каслув халқи ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган.

10:21 *Ибир* — эҳтимол, *иброний* сўзи шу сўздан ҳосил бўлган. *Иброний* сўзи миллат маъносида дастлаб Иброҳимга ва унинг наслига нисбатан қўлланилган (14:13, 39:14,17, 40:15, 41:12, 43:32 га қаранг).

10:23 *Мешех* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Маш*. Унинг Мешех деган шакли 1 Солномалар 1:17 дан олинган.

10:24 *Арпахшоднинг Шилах деган ўғли...* — аслида Шилах Арпахшоднинг набираси эди (Луқо 3:35-36 га қаранг). Ибронийчада *ўғил* сўзи *насл* маъносида ҳам ишлатилади.

10:25 *...Палах...даврида дунё бўлиниб кетди* — ибронийчада Палах исмининг маъноси — *бўлиниб кетди*. Бу гапда Худо инсониятни турли миллат ва тилларга бўлгани, уларни бутун ер юзи бўйлаб тарқатиб юборгани назарда тутилган бўлиши мумкин (Ибтидо 11:1-9 га қаранг). *Палах* сўзининг ўзаги бўлган ибронийча феъл Забур 54:10 да ишлатилган. Ўша оятда сано ижодкори Худодан душманларнинг гапини чалкаштиришни (яъни бўлиб ташлашни) сўраган.

11:2 *шарқдан* — ёки *шарққа*.

11:2 *Шинар ери* — 10:10 нинг биринчи изоҳига қаранг.

11:9 *Бобил* — бу ном ибронийчадаги *чалкаштириб юборилган* сўзига оҳангдош.

11:10 *…ўғли…кўрган эди* — бу оятда ҳамда шу бобнинг 11-25–оятларида ишлатилган бу ибронийча жумла *унинг наслида…туғилган эди* деган маънони ҳам англатиши мумкин (5:3 изоҳига қаранг).

11:12 *Арпахшод…ўғли Шилахни кўрган эди* — 10:24 изоҳига қаранг.

11:26 *Ибром* — Иброҳимнинг аввалги исми. Кейинчалик Худо унинг исмини Иброҳим деб ўзгартирди (17:3-5 га қаранг).

11:28 *Халдейдаги Ур шаҳри* — Халдей ҳозирги Ироқнинг жанубида, Форс қўлтиғининг шимолида жойлашган ерлар эди. Ур шаҳри Месопотамиядан, яъни Дажла ва Фурот дарёлари орасидаги ҳудуддан Ўрта ер денгизига борадиган асосий савдо йўллари устида жойлашган эди.

11:29 *Сорай* — Соранинг аввалги исми. Кейинчалик Худо унинг исмини Сора деб ўзгартирди (17:15 га қаранг).

11:31 *Хорон шаҳри* — Ур шаҳридан қарийб 900 километр шимоли–ғарбда, ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқида жойлашган (яна шу бобнинг 28–ояти изоҳига қаранг).

12:1 *Ибром* — 11:26 изоҳига қаранг.

12:4 *Хорон* — 11:31 изоҳига қаранг.

12:5 *Сорай* — 11:29 изоҳига қаранг.

12:6 *Шакам* — Қуддусдан қарийб 50 километр шимолда жойлашган шаҳар.

12:6 *эман дарахти* — ёки *теребинт дарахти*, ўша ўлкаларга хос бўлган улкан дарахт. Кўпинча бундай улкан дарахтлар маълум бир жой белгиси сифатида ишлатилиб, муҳим диний маросимлар билан чамбарчас боғлиқ эди.

12:8 *Байтил билан Ай шаҳарларининг ўртасида…* — Байтил Қуддусдан қарийб 19 километр шимолда, Ай шаҳри эса Байтилдан қарийб 3 километр шарқда жойлашган.

12:9 *Нагав чўли* — ҳозирги Исроилнинг жанубида, Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган ерлар.

13:1 *Ибром* — 11:26 изоҳига қаранг.

13:1 *Нагав чўли* — 12:9 изоҳига қаранг.

13:3 *…Байтил билан Ай оралиғига…* — 12:8 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

13:10 *…Эгамиз яратган боққа…* — Адан боғига ишора.

13:18 *Хеврон* — Қуддусдан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган шаҳар.

13:18 *эманзор* — ёки *теребинтзор*. 12:6 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

14:1 *Шинар* — 10:10 нинг биринчи изоҳига қаранг.

14:3 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Туз денгизи*.

14:6 *Сеир* — кейинчалик бу жой Эдом деб аталган.

14:5-6 *…Рафа халқи…Зуз халқи…Эйим халқи…*[6]*…Хорим халқи…* — бу халқлар яшаган юртлар — Иордан дарёсининг шарқида истиқомат қилган Рафа халқининг юртидан то Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида истиқомат қилган Хорим халқининг юртигача чўзилган эди. Рафа ва Эйим халқлари гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур эдилар (Қонунлар 2:10-11, 20-21, 3:11 га қаранг).

14:8-9 *Сиддим водийси* — яъни Ўлик денгиз водийси (шу бобнинг 3–оятига қаранг).

14:12 *Ибром* — 11:26 изоҳига қаранг.

14:13 *эманзор* — ёки *теребинтзор*. 13:18 оятга ва 12:6 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

14:13 *укалари* — ёки *қариндошлари*.

14:14 *Дан шаҳри* — Жалила кўлидан қарийб 40 километр шимолда жойлашган.

14:17 *Шоҳ сойлиги* — Қидрон сойлигининг бир қисми бўлиб, Қуддус шаҳридан жануби–шарқда жойлашган.

14:18 *Салим* — Қуддуснинг қадимги номи.

14:19 *яратган* — ёки *эга бўлган.*

15:1 *Ибром* — 11:26 изоҳига қаранг.

15:7 *Халдейдаги Ур шаҳри* — 11:28 изоҳига қаранг.

15:16 *…тўрт авлод ўтгандан кейин…* — мана бу сўзлар шу бобнинг 13–оятида айтиб ўтилган тўрт юз йилга ишора қилишнинг бошқа бир услуби.

15:16 *…чунки Амор халқларининг қабиҳлиги ҳали ҳаддан ошмади* — Эски Аҳднинг баъзи жойларида Канъон юртида истиқомат қилган барча халқларга нисбатан Амор халқлари деган ном ишлатилган. Кейинчалик Худо Исроил халқи орқали Канъон аҳолисини қилган қабиҳликлари учун жазолайди, бироқ жазолашнинг вақт–соати ҳали етиб келмаган эди (яна 9:25 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

15:17 *…ичидан тутун чиқиб турган тоғорани ва ёнаётган машъалани кўрди…бўғизланган ҳайвон бўлаклари орасидан ўтди* — тутун ва олов Эгамизнинг ўша ерда зоҳир бўлганини англатади. Бўғизланган ҳайвон бўлакларининг маъноси баҳсли. Баъзи олимларнинг тахмини бўйича, ҳайвонларнинг бўлакланиши бирор кишининг онт ичиб, ваъда беришга алоқадор бўлган урф–одат. Иккига бўлинган ҳайвонларнинг орасидан ўтадиган одам: “Агар ўз ваъдамда турмасам, мен ҳам мана шу ҳайвонлардай бўлакланай”, деб онт ичаётгандай бўлади. Бошқа олимларнинг тахмини бўйича эса, бу ҳайвонлар Иброҳимнинг авлоди бўлган Исроил халқининг тимсоли. Худо иккига бўлакланган ҳайвонларнинг орасидан ўтиб, Иброҳимнинг авлоди билан бирга бўлишини ваъда қилади. Худо уларни Мисрга ўхшаган қудратли ажнабий шоҳликлардан асрайди. Иброҳимнинг қузғунларни ҳайдаши мана шунинг рамзидир (шу бобнинг 11-14–оятларига қаранг).

15:18 *Мисрдаги дарё* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна Саҳрода 34:5 ва Ёшуа 13:3, 15:4, 47 га қаранг).

16:1 *Ибром* — 11:26 изоҳига қаранг.

16:1 *Сорай* — 11:29 изоҳига қаранг.

16:2 *...у орқали фарзандли бўларман* — қадимги пайтларда фарзанд кўра олмаган хотин эрига ўз чўриларидан бирини хотинликка бериши одат эди. Чўридан туғилган болалар бекасининг болалари ҳисобланар эди.

16:3 *хотин* — Ҳожар Ибромнинг чўри хотини бўлиб, унинг оиладаги ўрни Сорайникидан анча паст эди. Агар Ҳожар Ибромга меросхўр туғиб берса, бошқаларнинг назарида у асосий хотинга айланар эди.

16:5 *Буларнинг ҳаммасига сиз айбдорсиз!* — ёки *Менга қилинган бундай ноҳақлик учун бошингиз балодан чиқмасин*.

16:7 *Шур* — Мисрнинг шарқий чегарасидаги жой. Ҳожар Мисрлик эди (шу бобнинг 1–оятига қаранг).

16:11 *Исмоил* — ибронийчадаги маъноси *Худо эшитади* ёки *Худо эшитсин*.

16:12 *...Қариндошлари билан душман бўлиб яшагай* — ёки *...Қариндошларидан бўлак бўлиб яшагай* ёхуд *...Қариндошларидан шарқда яшагай*.

16:13 *“Мени кўрадиган Худони кўрдим–а!”* — ёки *“Наҳотки Худони кўрганимдан кейин тирик қолган бўлсам!”*

16:13 *“Мени кўрадиган Худосан”* — ёки *“Мен кўрган Худо Сенсан”*.

16:14 *Бэр–Лахай–Руй* — ибронийчадаги маъноси *мени кўриб турган тирик Худонинг қудуғи*.

17:1 *Ибром* — 11:26 изоҳига қаранг.

17:5 *...Ибром...Иброҳим...* — ибронийчада Ибром исмининг маъноси — *улуғ ота*, Иброҳим исмининг маъноси эса — *кўпчиликнинг отаси*.

17:15 *...Сорай...Сора...* — ибронийчада бу иккала исмнинг маъноси — *малика*, лекин Худо бу оятда Сорайнинг исмини ўзгартириб, келажакда амалга оширмоқчи бўлган ваъдасига урғу беради (шу бобнинг 16–оятига қаранг). Сора деб талаффуз қилинадиган бу исм Сорайга Худонинг берган ваъдасини доимо эслатиб турарди.

17:19 *Исҳоқ* — ибронийчадаги маъноси *кулади*.

18:1 *эманзор* — ёки *теребинтзор*. 13:18 оятга ва 12:6 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

18:3 *Ҳазратим* — Иброҳим ўша уч одамнинг бирини йўлбошчи сифатида тан олди.

18:6 *бир тоғора* — ибронийча матнда *уч сеха*, тахминан 22 килога тўғри келади.

18:10 *Улардан бири* — ибронийча матнда *У*, келган уч одамнинг йўлбошчиси назарда тутилган бўлиши мумкин (шу бобнинг 3–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

18:10 *…келгуси йили шу пайтда…* — ёки *…тўққиз ойдан кейин…* ёхуд *…келгуси баҳор…*. Шу бобнинг 14–оятида ҳам бор.

18:13 *Эгамиз* — Иброҳимникига одам кўринишида келган меҳмонларнинг бири Эгамиз эканлиги бу оятда аниқ кўрсатилган (шу бобнинг 1, 3, 10–оятларига қаранг). Шу пайтгача Иброҳим бундан бехабар эди. Қолган иккита меҳмон фаришталар эди (шу бобнинг 22–оятига ва 19:1 га қаранг).

19:1 *иккала фаришта* — Иброҳимга одам кўринишида зоҳир бўлган иккала меҳмон (18:22 га қаранг).

19:1 *…дарвозаси ёнида…* — қадимги пайтларда одамлар савдо–сотиқ, ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш учун шаҳар дарвозаси ёнида йиғилишарди.

19:3 *нон* — ибронийча матнда *хамиртурушсиз нон*, кутилмаган меҳмон келиб қолганда тез тайёрланадиган нонниng тури.

19:22 *Зўвар* — бу ном ибронийчадаги *кичкина* сўзига оҳангдош.

19:37 *Мўаб* — бу исм ибронийчадаги *отамдан* сўзига оҳангдош.

19:38 *Баномми* — бу исм ибронийчадаги *қариндошимнинг ўғли* сўзига оҳангдош.

20:1 *Нагав чўли* — 12:9 изоҳига қаранг.

20:1 *Гарор* — Канъоннинг жануби–ғарбидаги шаҳар, Ўлик денгиздан қарийб 80 километр ғарбда жойлашган.

20:16 *минг бўлак кумуш* — тахминан 11 килога тўғри келади. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул сифатида ишлатилган.

20:16 *Бу кумушлар…поклигингни исботлайди* — Абумалек шунчалик мўл инъом бериб, бошқаларга Сорайнинг номусига тегмаганлигини кўрсатмоқчи.

21:4 *Худо амр қилгандай…уни суннат қилди* — 17:9-14 га қаранг.

21:6 *кулги* — ибронийчада Исҳоқ исмининг маъноси — *кулади* (яна 17:15-21, 18:10-15 га қаранг).

21:8 *…Сора уни кўкракдан чиқарди…Иброҳим катта зиёфат берди* — қадимги пайтларда болалар 2-3 ёшгача эмизилар эди. Кўп болалар эмизикли даврда қазо қилгани учун кўкракдан чиқарилиш пайти катта байрам қилиб нишонланар эди.

21:9 *Исмоил* — 16:1-6 га қаранг.

21:9 *Исҳоқ* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Исҳоқ* сўзи қўлланмаган бўлса ҳам, лекин назарда тутилган.

21:9 *…Исҳоқни масхара қилаётганини…* — ёки *…Исҳоқ билан ўйнаётганини…*.

21:10 *Чўрининг ўғли менинг ўғлим билан меросхўр бўлмасин* — Иброҳим Исмоилни ўз ўғли сифатида қабул қилгани учун, Исмоил Иброҳим мулкининг бир қисмига меросхўр бўлиш ҳуқуқига эга эди. Аммо Исмоилнинг онаси Ҳожар озодликка чиқса, Исмоил мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўларди.

21:16 *бир ўқ отими* — тахминан 100 метрга тўғри келади.

21:20 *Порон чўли* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқида жойлашган.

21:22 *Абумалек* — 20:2 га қаранг.

21:30 *...бу қудуқни ўзим қазиганимни булар исботлайди* — Иброҳим бу инъомни бериб, ҳақиқатни айтаётганини кўрсатмоқчи. Инъомни қабул қилиш орқали Абумалек қудуқ ҳақиқатан Иброҳимга тегишли эканини тан олди. Абумалек ҳам илгарироқ ўзининг ҳақлигини исботлаш учун шундай йўл тутган эди (20:16 га қаранг).

21:31 *Бершеба* — ибронийчадаги маъноси *қасамёд қудуғи* ёки *еттилар қудуғи*. Бу иккала маъно ҳам бу ўриндаги вазиятга, яъни Иброҳимнинг Абумалекка еттита урғочи қўзини беришига ва Иброҳим билан Абумалекнинг қасамёд қилишига тўғри келади.

21:33 *юлғун дарахти* — тез ўсадиган майда баргли дарахт. Бу дарахтлар иссиқ ва қуруқ жойларда ўсади.

22:2 *Мориёх ери* — кейинчалик шоҳ Сулаймон Маъбадни қурган жой Мориёх тоғи деб аталади (2 Солномалар 3:1 га қаранг). Демак, Иброҳим Исҳоқни Эгамизга қурбонлик қилиш учун олиб борган тоғ устида кейинчалик Маъбад қурилган бўлиши ҳам мумкин. Шу бобнинг 14–оятидаги *Эгамизнинг тоғи* ибораси Исроил шоҳлари даврида Маъбад турган тоққа нисбатан ишлатилган.

22:8 *...Худонинг Ўзи беради...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...Худонинг Ўзи кўриб беради...*, яъни Худо вазиятни кўриб туриб, керакли ҳамма нарсани Ўзи етказиб беради деган маънони англатади.

22:14 *"Эгамиз беради"* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Эгамиз кўриб турибди* (шу бобнинг 8–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

22:14 *бугунги кунда* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

22:14 *Эгамизнинг тоғи* — шу бобнинг 2–ояти изоҳига қаранг.

22:14 *...берилади...* — ёки *...У зоҳир бўлади...*.

22:16 *...Ўзимнинг номим билан қасамёд қиламан...* — қадимги Яқин Шарқда одамлар айтган гапини тасдиқлаш учун, ўзларидан буюкроқ зот номини ёки нарсани ўртага қўйиб қасам ичишар эди. Худо борлиқдаги энг буюк Зот бўлгани учун, У айтган сўзининг қатъий эканлигини кўрсатиш мақсадида Ўз номини ўртага қўйиб қасам ичди.

22:24 *чўри* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: чўри бўлган аёллар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

23:3 *Хет халқи* — ибронийча матнда *Хет насли* (шу бобнинг 5, 7, 10, 16, 18, 20–оятларида ҳам бор). 10:15 га қаранг.

23:10 *...шаҳар дарвозасида...* — 19:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

23:14-15 *тўрт юз бўлак кумуш* — ибронийча матнда *тўрт юз шақал кумуш*, тахминан 4,5 килога тўғри келади. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

24:2 *Қўлингни сонимнинг остига қўйиб...* — қасамнинг табарруклиги ва муҳимлигини билдирувчи рамзий ҳаракат.

24:10 *Орам–Нахрайим* — ибронийчадаги маъноси *Икки дарёнинг Орами* демакдир. Бу ҳудуд Фурот дарёси бўйида жойлашган бўлиб, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолий қисмини ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқий қисмини қамраб оларди. Орам–Нахрайим яна Паддон–Орам (25:20 га қаранг) ва Паддон (48:7 га қаранг) номлари билан танилган.

24:22 *...бурунга тақиладиган олтин сирғани...* — аёллар бурунга тақиладиган сирғаларни безак сифатида ишлатишар эди (яна шу бобнинг 47–оятига қаранг).

24:22 *бир мисқолдан ортиқ* — ибронийча матнда *бир биқо*, тахминан 6 граммга тўғри келади.

24:22 *йигирма беш мисқол* — ибронийча матнда *ўн шақал*, тахминан 110 граммга тўғри келади.

24:62 *Нагав чўли* — 12:9 изоҳига қаранг.

24:62 *Бэр–Лахай–Руй қудуғи* — 16:7-14 оятларга ва 16:14 изоҳига қаранг.

24:63 *...сайр қилиш учун...* — ёки *...ибодат қилиш учун...*.

25:6 *чўрилар* — 22:24 изоҳига қаранг.

25:10 *Хет халқи* — ибронийча матнда *Хет насли* (10:15 га қаранг).

25:10 *...хотини Соранинг ёнига дафн қилинди* — 23:19 га қаранг.

25:11 *Бэр–Лахай–Руй қудуғи* — 16:7-14 оятларга ва 16:14 изоҳига қаранг.

25:18 *...қариндошларига душман бўлиб яшардилар* — ёки *...қариндошларидан бўлак бўлиб яшардилар* ёхуд *...қариндошларидан шарқда яшардилар* (16:12 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

25:20 *...Орамлик бўлиб, Паддон–Орамдан...* — Паддон–Орам ҳудуди Фурот дарёси бўйида жойлашган бўлиб, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолий қисмини ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқий қисмини қамраб оларди. Иброҳимнинг айрим қариндошлари шу ҳудудда яшаган. Паддон–Орам яна Орам–Нахрайим (24:10 га қаранг) ва Паддон (48:7 га қаранг) номлари билан танилган. Ўша ҳудудда истиқомат қилган одамни Орамлик деб аташарди.

25:22 *“Агар шунақа бўлса...нима фойдаси бор?!”* — ёки *“Агар шунақа бўлса яшаб нима қиламан?!”* ёхуд *“Нечун бошимга бундай кўргилик тушди?!”*

25:23 *...икки халққа бўлинар* — бу сўз туғиладиган эгизак ва улардан келиб чиқадиган халқлар орасида бўладиган тўқнашувга ишора қилади. Бу тўқнашув она қорнидаёқ бошланиб, ҳатто туғилиш пайтида ҳам юз беради (шу бобнинг 22, 26–оятларига қаранг).

25:25 *қип–қизил* — терининг рангига ёки сочи ва баданидаги жуннинг рангига нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин. Эсовни яна *Эдом* деб аташар эди. Эдом сўзи ибронийчадаги *қизил* сўзига оҳангдош (шу бобнинг 30–оятига қаранг).

25:25 *Унинг танаси жун матога ўхшарди...исмини Эсов қўйдилар* — Эсов исми ибронийчадаги *жунли* сўзига оҳангдош. Кейинчалик Эсов насли истиқомат қиладиган ерлар *Сеир* деб аталган. *Сеир* сўзининг ибронийчадаги маъноси — *жунли*.

25:26 *Эсовнинг товонини ушлаб туғилди…исмини Ёқуб қўйдилар* — ибронийчада Ёқуб исмининг маъноси — *у товонни ушлаб олади*. *У товонни ушлаб олади* иборасининг кўчма маъноси *у ҳимоя қилади* демакдир. *Ёқуб* бошқа бирон узун исмнинг қисқа шакли бўлиши мумкин. Ўша тўлиқ исмнинг маъноси *Худо уни ҳимоя қилсин* ёки *Худо уни ҳимоя қилди*. Аммо *у товонни ушлаб олади* иборасининг *у алдади* деган кўчма маъноси ҳам бор. Кейинчалик Эсов Ёқубнинг исмини ўша иборанинг иккинчи кўчма маъносида ишлатади (27:36 га қаранг), бу маъно Ёқуб ҳаётининг илк даврини акс эттиради.

25:29 *ясмиқ* — дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик дони.

25:30 *Эдом* — бу исм ибронийчадаги *қизил* сўзига оҳангдош.

25:31 *тўнғичлик ҳуқуқи* — тўнғич ўғилнинг укаларига қараганда икки баробар катта мерос олишга ҳақи бор эди. Ота оламдан ўтгандан кейин, тўнғич ўғил оила боши ўрнини эгаллар эди.

26:1 *…бундай очарчилик илгари Иброҳим даврида ҳам юз берган эди* — 12:10 га қаранг.

26:1 *Абумалек* — 20:2, 21:22 га қаранг.

26:17 *сойлик* — икки адир оралиғидаги пастлик. Баъзи сойликлар водий каби кенг бўларди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

26:20 *Жанжал* — ибронийча матнда *Эсек*, маъноси *жанжал*.

26:21 *Зиддият* — ибронийча матнда *Ситно*, маъноси *зиддият*.

26:22 *Кенглик* — ибронийча матнда *Рехобўт*, маъноси *кенглик*.

26:33 *Қасамёд* — ибронийча матнда *Шива*, маъноси *қасамёд* ёки *етти*. Исҳоқ билан Абумалек бир–бирларига қасамёд қилганлари учун бу ўринга *қасамёд* маъноси тўғри келади (шу бобнинг 31–оятига қаранг). Борди–ю, Исҳоқ отаси Иброҳимнинг Абумалек билан худди ўша жойда қилган қасамёдга ишора қилаётган бўлса, *етти* маъноси тўғри келади, чунки Иброҳим қасамёд қилганда, Абумалекка еттита урғочи қўзини берган эди (21:29-31 оятларга ва 21:30 изоҳига қаранг).

26:33 *Бершеба* — ибронийчадаги маъноси *қасамёд қудуғи* ёки *еттилар қудуғи*.

27:36 *Унга Ёқуб деб исм қўйилгани бекорга эмас экан–да…У мени икки марта алдади–я!* — 25:26 изоҳига қаранг.

27:36 *…тўнғичлик ҳуқуқимни олган эди…* — 25:29-34 га қаранг.

27:43 *Хорон* — 11:31 изоҳига қаранг.

27:45 *…бир кунда акангдан ҳам, сендан ҳам айрилиб қоламан* — агар Эсов Ёқубни ўлдирганда эди, унга қотиллик учун ўлим жазоси берилган бўларди, бундай ҳолда Ривқо иккала ўғлидан ҳам айриларди.

27:46 *Хет* — яъни Хет халқидан (10:15 га қаранг).

28:2 *Паддон–Орам* — 25:20 изоҳига қаранг.

28:5 *Орамлик* — Паддон–Орамда истиқомат қилган одам (25:20 га ва ўша оятнинг

изоҳига қаранг).

28:9 *Наваёт* — Исмоилнинг тўнғич ўғли (25:13 га қаранг).

28:10 *Хорон* — 11:31 изоҳига қаранг.

28:12 *зинапоя* — ёки *нарвон* (шу бобнинг 13–оятида ҳам бор).

28:13 *Зинапоянинг ёнида…* — ёки *Ёқубнинг ёнида…* ёхуд *Зинапоянинг тепасида….*

28:19 *Байтил* — ибронийчадаги маъноси *Худонинг уйи*. Байтил Қуддусдан қарийб 19 километр шимолда жойлашган.

29:4 *Хорон* — 11:31 изоҳига қаранг.

29:17 *чиройли* — ёки *чақнамаган*, яъни сўник.

29:32 *Рубен* — ибронийчадаги маъноси *Кўриб қўй, ўғил!* Бу исмнинг баъзи оҳанглари ибронийчадаги *у менинг бахтсизлигимни кўрди* ва *менга кўнгил қўяди* ибораларида ишлатилган. Шу сабабдан Леах ўз ўғлига Рубен деб исм қўйган эди.

29:33 *Шимўн* — ибронийчадаги *эшитди* сўзига оҳангдош, бу исмнинг баъзи оҳанглари ибронийчадаги *эрим менга кўнгилсиз* иборасида ишлатилган.

29:34 *Леви* — бу исм ибронийчадаги *боғланиб қолади* сўзига оҳангдош.

29:35 *Яҳудо* — бу исм ибронийчадаги *ҳамду сано айтаман* сўзига оҳангдош.

30:3 *…токи чўрим орқали мен ҳам болали бўлайин* — 16:2 изоҳига қаранг.

30:6 *Дан* — ибронийчадаги маъноси *ҳукм қилди*. Бу исм ибронийчадаги *оқлади* сўзига оҳангдош.

30:8 *Нафтали* — бу исм ибронийчадаги *олишув* сўзига оҳангдош.

30:11 *Гад* — ибронийчадаги маъноси *омад*.

30:13 *Ошер* — ибронийчадаги маъноси *бахтли*.

30:14 *меҳригиё ўсимлиги* — қадимда одамлар, бу ўсимликнинг мевалари жинсий хоҳишни кучайтириб, аёлнинг ҳомиладор бўлишига имконият яратади, деб ишонишарди.

30:18 *Иссахор* — бу исм ибронийчадаги *мукофот* сўзига оҳангдош.

30:20 *Забулун* — бу исм ибронийчадаги *ҳурмат* ва *ҳадя* сўзларига оҳангдош.

30:24 *Юсуф* — ибронийчадаги маъноси *яна берсин*. Бу исм ибронийчадаги *олиб ташлади* сўзига оҳангдош.

30:27 *…фол очтириб кўрган эдим, Эгам менга сен туфайли барака берганини билдим* — ёки *…мен давлат орттирдим, Эгам менга сен туфайли барака берди*.

30:30 *Мен туфайли…барака берди* — ёки *Мен сиз учун ишлаган ҳамма жойда Эгам сизга барака берди*.

30:32 *…олачипор ва хол–хол қўйларингизни, қора қўзиларингизни, эчкиларингиздан ҳам хол–холини ва олачипорини…* — дунёнинг бу ўлкаларида одатда қўйлар оқ, эчкилар эса қора рангда бўлар эди, қора доғли қўйлар ва оқ доғли эчкилар камдан–кам учрар эди.

30:38 *Сўнгра…қўйди* — қадимги пайтларда одамларнинг тушунчаси бўйича,

қўй–эчкиларнинг жуфтлашган пайтда кўрган нарсаси улардан туғиладиган қўзичоқларнинг кўринишига таъсир қиларди. Бироқ Ёқуб Худо берган барака туфайли муваффақиятга эришганини аниқ билар эди (31:5-13 га қаранг).

30:40 *...Лобоннинг бошқа қўй–эчкиларидан совлиқларини...* — Ёқуб боқиб юрган Лобоннинг оқ қўйлари ва қора эчкиларидан ташкил топган суруви назарда тутилган (шу бобнинг 35-36–оятларига қаранг).

30:40 *...йўл–йўл ва қоп–қора ҳайвонларга қаратиб қўярди. Шу тариқа Ёқуб Лобоннинг қўй–эчкиларидан ўзининг сурувини вужудга келтирди...* — Лобоннинг сурувидаги йўл–йўл ва қоп–қора эчкилар назарда тутилган (бу оятда *йўл–йўл* деганда туёқлари очроқ рангда бўлган қора эчкилар назарда тутилган бўлиши мумкин). Демак, Ёқуб Лобоннинг жуфтлашаётган оқ қўйларини қора эчкиларига қаратиб қўяр эди, бунинг натижасида қора қўзичоқлар туғиларди (шу бобнинг 38–ояти изоҳига қаранг). Бу қора қўзичоқлар Ёқуб сурувини ташкил қиларди (шу бобнинг 32-34–оятларига қаранг). Шу усулни ишлатган ҳолда, Ёқуб ўзининг катта сурувини вужудга келтирди (шу бобнинг 37-40–оятларига қаранг).

31:13 *Мен Байтилда сенга зоҳир бўлган Худоман* — 28:10-19 оятларга ва 28:19 изоҳига қаранг.

31:15 *У бизни сотди...ҳаммасини сарф қилиб бўлди* — келиннинг отасига бериладиган қалин пули назарда тутилган бўлиши мумкин. Одатда қалин пулининг бир қисми қизнинг ўзига берилар эди. Ёқуб Роҳила ва Леах учун бериши керак бўлган қалин пули ўрнига ўн тўрт йил давомида Лобонга хизмат қилди. Ўша йиллар давомида Лобон Ёқуб туфайли кўп давлат орттирди, лекин орттирган давлатидан қизларига ҳеч нарса бермай, ҳаммасини сарф қилиб юборган эди.

31:17-18 *Паддон–Орам* — 25:20 изоҳига қаранг.

31:19 *хонаки худолар* — ибронийча матнда *терафим* (шу бобнинг 34, 35–оятларида ҳам бор). Одамлар хонаки худоларни фол очиш учун ишлатган бўлса керак. Одамлар, хонаки худолар хонадонни кулфатдан асрайди, деб ишонган бўлса керак. Эҳтимол, Роҳила, худолар бизни сафарда асрайди, деб ишонгани учун ёки ўша бутлар шунчаки қимматбаҳо буюм бўлгани учун уларни ўғирлаб олгандир. Шу бобнинг 30, 32–оятларида хонаки худоларга нисбатан ибронийча сўз *элоҳим* (маъноси *худолар*) ишлатилган.

31:20 *Лобон* — ибронийча матнда *Орамлик Лобон* (шу бобнинг 24–оятида ҳам бор). Орамлик — Паддон–Орамда истиқомат қилган одам (25:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

31:21 *Гилад қирлари* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

31:33 *иккала чўри* — Билхах (29:29, 30:4 га қаранг) ва Зилпо (29:23-24, 30:9 га қаранг) назарда тутилган.

31:42 *Исҳоқ сажда қиладиган Худо* — ёки *Исҳоқнинг ҳайбатли Худоси* ёхуд *Исҳоқни асраган Худо* (шу бобнинг 53–оятида ҳам бор).

31:47 *...Ёгар–Садуто...Галед...* — биринчи ном орамийча, иккинчи ном ибронийча бўлиб, иккови ҳам *гувоҳлик уюми* демакдир.

31:49 *Миспах* — ибронийчадаги маъноси *қоровул минораси*.

32:2 *Моханайим* — ибронийчадаги маъноси *икки қароргоҳ*, Ёқубнинг ва Худонинг қароргоҳлари бу жойда эканлиги назарда тутилган бўлиши мумкин (аммо шу бобнинг 7-10–оятларига ҳам қаранг).

32:3 *…Сеир, яъни Эдом юрти…* — Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган. Эдом юртининг яна бир номи Сеир эди.

32:22 *иккала чўриси* — Билхах (29:29, 30:4 га қаранг) ва Зилпо (29:23-24, 30:9 га қаранг) назарда тутилган.

32:22 *Явоқ дарёси* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган бу дарё Ўлик денгиздан қарийб 50 километр шимолда Иордан дарёсига қуйилади.

32:25 *бўкса* — гавданинг бел билан сон ўртасидаги қисми.

32:28 *Исроил* — ибронийчадаги маъноси *Худо олишади*. Бу исм ибронийчадаги *олишдинг* сўзига оҳангдош.

32:30 *“Худо билан юзма–юз бўлибман–у, ҳаётим сақланиб қолибди–я”* — инсонлар, Худони кўрган одам ўлади, деб ишонишарди (Чиқиш 33:20 ва Ҳакамлар 6:22, 13:22 га қаранг).

32:30 *Паниёл* — ибронийчадаги маъноси *Худонинг юзи*. Паниёл Гиладда, Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди.

32:31 *Паниёл* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Панувал*.

32:32 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

33:1 *иккала чўри* — Билхах (29:29, 30:4 га қаранг) ва Зилпо (29:23-24, 30:9 га қаранг) назарда тутилган.

33:14 *Сеир юрти* — 32:3 изоҳига қаранг.

33:17 *Сухот* — ибронийчадаги маъноси *қўралар*.

33:18 *Паддон–Орам* — 25:20 изоҳига қаранг.

33:18 *Шакам шаҳри* — 12:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

33:19 *юз бўлак кумуш* — ибронийча матнда *юз киситo*. Бу пул бирлигининг қиймати ва оғирлиги ҳақидаги маълумот сақланиб қолмаган. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

33:20 *“Худо Исроилнинг Худосидир”* — ибронийча матнда *“Эл–Элоҳей–Исроил”*, маъноси *Худо Исроилнинг Худосидир*. Ёқуб (яъни Исроил) ўзининг Худога тегишли эканлигини эълон қилмоқда (28:20-21 га қаранг).

34:10 *…бемалол савдо–сотиқ қилаверасизлар…* — ёки *…хоҳлаган жойингизга бораверасизлар…* (шу бобнинг 21–оятида ҳам бор).

34:14 *Синглимизни…биз иснодга қоламиз* — 17:9-14 га қаранг.

34:17 *синглимиз* — ибронийча матнда *қизимиз*, Динага ишора.

34:20 *…шаҳар дарвозасига…* — 19:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

34:25 *…Динанинг акалари Шимўн билан Леви…* — Шимўн билан Леви Леахдан туғилган бўлиб, Динанинг туғишган акалари эди (29:33-34, 30:21 га қаранг).

35:1 *...Байтилга кўчиб бор...Мен у ерда сенга зоҳир бўлган эдим* — 28:10-19 оятларга ва 28:19 изоҳига қаранг.

35:4 *...худоларини, зиракларини...* — Шакамдан ўлжа қилиб олинган нарсалар бўлиши мумкин. Бу оятда айтиб ўтилган "худолар" — кичкина ҳайкалчалар шаклида бўлиб, фол очиш ёки бало–қазолардан асраш учун ишлатилган бўлиши мумкин (яна 31:19 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Зираклар ҳам ирим қилиб, ёмонликдан асраш учун тақилган бўлиши мумкин.

35:4 *Шакам яқинидаги эман дарахти* — ёки *Шакам яқинидаги теребинт дарахти*. 12:6 га ва ўша оятнинг изоҳларига қаранг.

35:7 *Байтилнинг Худоси* — ибронийча матнда *Эл–Байтил*, маъноси *Байтилнинг Худоси*. Яна 33:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

35:8 *...Ривқонинг энагаси Добира вафот этди* — Ёқуб Паддон–Орамга кетган пайтдан (27:42-46 га қаранг) то шу пайтгача онаси Ривқо ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Шундай экан, Ёқуб Паддон–Орамда яшаб юрган пайтларда Ривқо оламдан ўтган, деб тахмин қилишимиз мумкин.

35:8 *Йиғи дарахти* — ибронийча матнда *Олўн–Бакут*, маъноси *йиғи эман дарахти*.

35:9 *Паддон–Орам* — 25:20 изоҳига қаранг.

35:10 *Ёқуб* — 25:26 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

35:10 *Исроил* — 32:22-30 оятларга ва 32:28 изоҳига қаранг.

35:15 *Байтил* — 28:19 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

35:18 *...Бенўн...Бенямин...* — ибронийчада Бенўн исмининг маъноси — *қайғумнинг ўғли*, Бенямин исмининг маъноси эса — *ўнг қўлимнинг ўғли*. Ўнг қўл — мурувват ва барака томони, деб ҳисобланган. Роҳила Ёқубнинг суюкли хотини бўлиб, эрининг "ўнг қўли" эди.

35:19 *Байтлаҳм* — Қуддусдан қарийб 8 километр жанубда жойлашган шаҳар.

35:20 *шу кунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

35:21 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 22–оятида ҳам бор). 32:27-28 га қаранг.

35:22 *чўри* — 22:24 изоҳига қаранг.

35:22 *...Рубен отасининг чўриси Билхахнинг ёнига кирди* — Рубен Леахнинг тўнғич ўғли, Билхах эса Роҳиланинг чўриси эди (29:28-32 га қаранг). Марҳум Роҳила Ёқубнинг суюкли хотини бўлгани боис, Билхах унинг ўрнини эгалламасин деб, Рубен бу ишга қўл урган бўлиши мумкин. Рубен бу қилмиши билан Ёқубнинг оила бошлиғи сифатидаги ўрнини эгалламоқчи бўлгани ҳам, эҳтимолдан ҳоли эмас.

36:8 *Сеир тоғлари* — 32:3 изоҳига қаранг.

36:12 *чўри* — 22:24 изоҳига қаранг.

36:22 *Хўмам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Хаман*. Унинг Хўмам деган шакли 1 Солномалар 1:39 дан олинган.

36:23 *Элиён* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Элвон*. Унинг Элиён деган шакли 1 Солномалар 1:40 дан олинган.

36:24 *иссиқ булоқлар* — ёки *булоқ* ёхуд *сув*.

36:37 *Фурот дарёси* — ибронийча матнда *дарё*, Фурот дарёси назарда тутилган бўлиши мумкин.

36:39 *Ҳадад* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ҳадар*. Унинг Ҳадад деган шакли 1 Солномалар 1:50 дан олинган.

37:2 *Билхах ва Зилпонинг ўғиллари* — 30:1-13 га қаранг.

37:3 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 13–оятида ҳам бор). 32:27-28 га қаранг.

37:3 *беқасам чопон* — ёки *чиройли чопон* (шу бобнинг 23, 32–оятларида ҳам бор).

37:12 *Шакам* — 12:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

37:17 *Дўтан* — Шакамдан қарийб 25 километр шимолда жойлашган.

37:25 *мирра* — маълум бир дарахтларнинг қотган елимидан тайёрланган хушбўй модда.

37:28 *Исмоилий* — ибронийча матнда *Мидиён наслидан келиб чиққан* (шу бобнинг 36–оятида ҳам бор). Исмоил ва Мидиён халқлари Иброҳимнинг иккита ўғлидан келиб чиққанлар (25:1-2, 12 га қаранг). Бу халқлар яқин қариндош бўлганлари учун, уларнинг иккаловини ҳам баъзан Мидиён халқи, баъзан эса Исмоил халқи деб аташарди.

37:28 *йигирма бўлак кумуш* — тахминан 230 граммга тўғри келади. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

37:34 *...қайғудан кийимларини йиртиб, қанорга ўранди* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Кийимларни йиртиш ва қанорга ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

37:35 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимги пайтларда одамлар *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

38:1 *Адуллам шаҳри* — Канъондаги шаҳар, Хевронда қарийб 16 километр шимоли–шарқда жойлашган. Ёқуб ва унинг оиласи бу пайтда Хевронда истиқомат қиларди (35:27, 37:1 га қаранг).

38:8 *Сен акангнинг хотинига уйланиб...токи акангга зурриёт қолсин* — ўша даврдаги урф–одатга кўра, одам фарзанд кўрмасдан вафот этган бўлса, марҳумнинг ака–укаларидан ёки энг яқин уруғларидан бири унинг наслини давом эттириш мақсадида бева қолган хотинни олиши керак эди. Улардан туғилган болалар ўлган одамники ҳисобланган. Шу тариқа марҳумнинг номи давом этаверган. Бу одат кейинчалик қонун сифатида Тавротга киритилган (Қонунлар 25:5-10 га қаранг).

38:9 *...акамга зурриёт қолмасин...* — ўша даврдаги одатга кўра, агар Ўнаннинг марҳум акаси фарзандсиз қолса, Ғурнинг мероси Ўнан ва унинг укасига ўтар эди.

Борди–ю, Тамара Ўнандан фарзанд кўрганда, ўша фарзанд Ғурнинг меросхўри бўларди. Бу одат кейинчалик қонун сифатида Тавротга киритилган (Саҳрода 27:8-11 га қаранг).

38:14 *...шаҳри дарвозаси ёнида...* — 19:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

38:18 *...муҳрингизни...таёғингизни...* — бу нарсалар туфайли Тамара у билан ётган киши Яҳудо эканини аниқ исботлай оларди.

38:21 *фоҳиша* — бу оятдаги ва мазкур бобнинг 22–оятидаги ибронийча сўзнинг маъноси *саждагоҳдаги фоҳиша*. Аслида Тамара саждагоҳ фоҳишаси эмасди. Канъонда саждагоҳ фоҳишалари оддий фоҳишаларга қараганда жамиятда юқорироқ ўрин тутар эдилар. Шу боис Яҳудонинг дўсти Хирах Тамарани камситиб юбормаслик учун унга нисбатан *саждагоҳдаги фоҳиша* иборасини ишлатган. Канъондаги одатга кўра, одамлар саждагоҳлардаги фоҳишалар билан жинсий алоқа қилганларида, шу йўл билан Канъондаги халқлар худоларига топиниб, фаровонлик ато қилишни сўрардилар.

38:29 *Параз* — ибронийчадаги маъноси *ёриб чиқмоқ*.

38:30 *Зерах* — бу исм ибронийчадаги *шафақдай қизил* сўзига оҳангдош, чақалоқнинг қўлидаги қизил ип назарда тутилган бўлиши мумкин.

40:1 *соқий* — шоҳга ўз қўли билан шароб қуядиган, саройда юқори мартабага эга бўлган, ишончга лойиқ аъён. Шунингдек, у шоҳ учун шароб танлаши ва уни татиб кўриб, заҳарли эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак эди.

41:9 *соқий* — 40:1 изоҳига қаранг.

41:45 *Он шаҳри* — Гелиополь номи билан ҳам маълум бўлиб, ҳозирги Қоҳирадан қарийб 11 километр шимоли–шарқда, Нил дарёси бўйида жойлашган.

41:51 *Манаше* — бу исм ибронийчадаги *эсимдан чиқармоқ* сўзига оҳангдош.

41:52 *Эфрайим* — бу исм ибронийчадаги *баракали* сўзига оҳангдош.

42:5 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (32:27-28 га қаранг).

42:25 *кумушлар* — Юсуфнинг акалари дон сотиб олиш учун олиб келган пул назарда тутилган. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

42:34 *Сизлар дон сотиб олгани тез–тез келиб тураверасизлар* — ёки *Юртнинг хоҳлаган жойига бемалол бораверасизлар*.

42:38 *...ўзи ёлғиз қолди* — Ёқуб, ўғли Юсуфни ўлган, деб ҳисоблагани учун, суюкли хотини Роҳиладан туғилган икки ўғилдан Бенямин ёлғиз қолди, деб айтган.

42:38 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 37:35 изоҳига қаранг.

43:6 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 11–оятида ҳам бор). 32:27-28 га қаранг.

43:11 *Мирра* — 37:25 изоҳига қаранг.

44:5 *Хўжайинимнинг кумуш қадаҳини ўғирлаганингиз нимаси?* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда бу жумла йўқ.

44:5 *...фол очиш учун фойдаланарди...* — қадимги пайтларда фол очиш учун турли хил суюқликлардан фойдаланиларди. Юсуфнинг ўзи бундай удумларга эргашмаган бўлса–да, унинг хизматкори қадаҳни қимматбаҳо деб билар эди, чунки бундай қадаҳлар худолардан маслаҳат сўраш учун ишлатиларди.

44:29 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл* (шу бобнинг 31–оятида ҳам бор). 37:35 изоҳига қаранг.

45:10 *Гўшен ерлари* — Нил дельтасининг шарқидаги ҳосилдор ерлар.

45:21 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 28–оятида ҳам бор). 32:27-28 га қаранг.

45:22 *уч юз бўлак кумуш* — тахминан 3,5 килога тўғри келади. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

45:24 *...жанжаллашиб юрманглар...* — ёки *...хафа бўлманглар...* ёхуд *...қўрқманглар...* (шу бобнинг 5–оятига қаранг).

46:1 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 2, 30–оятларида ҳам бор). 32:27-28 га қаранг.

46:1 *Бершеба* — шу ерда Худо Ёқубнинг отаси Исҳоққа зоҳир бўлган, Исҳоқ Худога атаб бир қурбонгоҳ қурган эди (26:23-25 га қаранг).

46:12 *...Ғур ва Ўнан Канъон юртида вафот этган эдилар* — 38:6-10 га қаранг.

46:13 *Ёшув* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўв*. Унинг Ёшув деган шакли 1 Солномалар 7:1 дан олинган (яна Саҳрода 26:24 га қаранг).

46:15 *Паддон–Орам* — 25:20 изоҳига қаранг.

46:16 *Зафўн* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Зифиён*. Унинг Зафўн деган шакли Саҳрода 26:15 дан олинган.

46:16 *Арўд* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Арўди*. Унинг Арўд деган шакли Саҳрода 26:17 дан олинган.

46:20 *Он шаҳри* — 41:45 изоҳига қаранг.

46:26 *олтмиш олти киши* — шу бобнинг 8-25–оятларидаги рўйхатда жами етмишта одам келтирилган, аслида эса Мисрга олтмиш олтита одам келган эди. Рўйхатда айтиб ўтилган Ғўр ва Ўнан келганларнинг қаторида саналмаган, чунки улар Канъон юртида вафот этганлар (шу бобнинг 12–оятига қаранг). Юсуф, Манаше ва Эфрайим ҳам келганларнинг қаторида саналмаганлар, улар аллақачон Мисрда эдилар. Дина рўйхатдагиларга қўшиб саналмаган, лекин келганлар қаторида саналган (шу бобнинг 15–оятига қаранг). Шундай қилиб, Мисрга олтмиш олти киши келган эди.

46:27 *етмиш киши* — етмиш сонига шу бобнинг 8-25–оятларида айтиб ўтилган рўйхатдаги етмишта одам киради. Канъон юртида вафот этган Ғур ва Ўнан Мисрга келганларнинг орасида ҳисобланмаган (шу бобнинг 12–оятига қаранг), уларнинг ўрнига Ёқубнинг ўзи ва Дина қўшиб ҳисобланган (шу бобнинг 15–оятига қаранг). Шундай қилиб, ҳаммаси етмиш киши эди.

46:28 *Гўшен ерлари* — 45:10 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

47:1-2 *Гўшен ерлари* — 45:10 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

47:7 *...фиръавнни дуо қилди* — ёки *...фиръавнга ҳурмат бажо айлади*.

47:11 *Рамзес шаҳри яқинидаги ерлар* — Гўшен ерларининг бошқача тасвирланиши. 45:10 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

47:14 *кумуш* — қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

47:21 *...бутун халқ фиръавнга қул бўлиб қолди* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *...ҳамма халқ шаҳарларга кўчирилди*.

47:26 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

47:27 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 29, 31–оятларида ҳам бор). 32:27-28 га қаранг.

47:29 *...қўлингни соним остига қўйиб...* — 24:2 изоҳига қаранг.

47:29 *..."Сизнинг васиятингизни бажараман", деб қасам ич* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...менга меҳрибонлик ва содиқлик билан муомала қилгин*, бу ўринда шу ибора Юсуф отаси Ёқубнинг васиятини бажаришига ишора қилади.

47:30 *ота–боболаримнинг хилхонаси* — Ёқубнинг бобоси Иброҳим ва отаси Исҳоқ дафн қилинган Махпаладаги ғор назарда тутилган (25:9-10, 49:30-31 га қаранг).

48:3 *Луз шаҳри* — Байтил шаҳрининг олдинги номи (28:19 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Ўша шаҳарда Худо Ёқубга икки марта зоҳир бўлган эди (28:10-22, 35:1-15 га қаранг). Бу оятда Ёқуб Худо унга иккинчи марта зоҳир бўлгани ҳақида гапиряпти.

48:7 *Паддон — Паддон–Орам*нинг қисқа шакли. 25:20 изоҳига қаранг.

48:7 *Байтлаҳм* — 35:19 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

48:8-10 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 11, 13, 14, 21–оятларида ҳам бор). 32:27-28 га қаранг.

48:12 *...тиззасидан...* — Ёқуб Эфрайим ва Манашени дуо қилганда улар Ёқубнинг ёнида ёки тиззаларининг орасида турган бўлишлари мумкин. Улар улғайган, Ёқуб эса ниҳоятда қариб қолгани учун уларни тиззаларида ушлаб ўтира олмаган бўлиши мумкин.

48:14 *ўнг қўли* — ўнг қўл кучлироқ ҳисобланган учун, одамлар ўнг қўлни қўйиб дуо қилишганда, кўпроқ барака келади, деб ишонишарди.

48:15 *...Юсуфни дуо қилди...* — Ёқуб Эфрайим ва Манашени дуо қилиш орқали Юсуфни дуо қилганди.

48:22 *Шакам* — 12:6 нинг биринчи изоҳига қаранг. Бу ўриндаги ибронийча сўзни *улуш* ёки *тепаликлар* деб таржима қилса ҳам бўлади.

48:22 *...мен қиличу камоним билан Амор халқларидан тортиб олганман* — 34:25-29 да баён этилган воқеа назарда тутилган бўлиши мумкин, лекин ўша пайтда Ёқуб иккала ўғлининг қилмишини қаттиқ танқид қилган эди (34:30 га қаранг). Китобда ёзилмаган бошқа бир ҳодиса назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

49:4 *…Тўшагимга чиқиб, уни булғадинг* — 35:22 га қаранг.

49:5 *…Қиличлари жабр–жафо қуролидир* — 34:25-26 га қаранг. Бу ерда *қилич* деб таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси баҳсли.

49:8 *Яҳудо* — бу исм ибронийчадаги *мадҳ этар* сўзига оҳангдош.

49:10 *салтанат ҳассаси* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

49:10 *…Халқлар унга ўлпон келтирарлар…* — ёки *…Салтанат ҳассасининг эгаси келгунга қадар…* ёхуд *…Ҳукмдор келгунга қадар…*. Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…Шилў келгунга қадар…*. Шилў Исроилнинг шимолидаги бир жой эди. Ёшуа давридан тортиб Шомуил даврига қадар Муқаддас чодир ва Аҳд сандиғи Шилўда эди (Ёшуа 18:1, Ҳакамлар 18:31, 1 Шоҳлар 1:24, 4:3 га қаранг). *Шилў* сўзининг бу оятдаги маъноси баҳсли.

49:11 *Шаробда ювади…кўйлакларини* — бу ибора кўчма маънода бўлиб, Яҳудо баракали ва бой–бадавлат бўлишини, узум токидан мўл ҳосил олишини билдиради.

49:12 *Шаробдан ҳам қора кўзлари, Сутдан ҳам оппоқ тишлари* — бу ибора кўчма маънода бўлиб, Яҳудонинг шароби ва сути мўл бўлишини билдиради. Шароб ва сутнинг мўллиги бараканинг белгиси эди.

49:13 *Сидон* — Ўрта ер денгизи бўйидаги қадимги Финикияга қарашли шаҳар бўлиб, ҳозирги Ливан мамлакатининг жанубий қисмида жойлашган.

49:14 *…қўрада…* — ёки *…хуржунлар орасида…*.

49:16 *Дан* — ибронийчадаги маъноси *ҳукм қилди*. Бу исм ибронийчадаги *ҳукм қилади* сўзига оҳангдош.

49:18 *Сендан нажот кутарман, эй Эгам!* — бу сўзлар дуо таркибига кирмайди. Булар Ёқубнинг Эгамизга қилган илтижоси ёки муаллифнинг гапи бўлиши мумкин.

49:19 *Гад* — бу исм ибронийчадаги *босқинчилар* ва *талаб кетади* сўзларига оҳангдош.

49:21 *…Ажойиб оҳучалар дунёга келтирар* — ёки *…У ёқимли сўзларни айтар*.

49:22 *Юсуф ўхшар серҳосил токка…новдалари девордан ошиб ўтар* — ёки *Юсуф ўхшар қулонга — Булоқ бўйидаги қулонга. Қирлардаги қулондайдир у*.

49:26 *Абадий тоғлар баракасидан…* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Аждодларнинг баракасидан…*.

49:31 *У ерга бобом Иброҳим билан бувим Сора дафн қилинган* — 23:17-20, 25:9-10 га қаранг.

50:2 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (32:27-28 га қаранг).

50:8 *Гўшен ерлари* — 45:10 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

50:11 *Овил–Мисрайим* — ибронийчадаги маъноси *Мисрликларнинг қайғуси*.

50:13 *…Махпаладаги далада жойлашган ғорга дафн қилдилар* — 47:30 га ва ўша

оятнинг изоҳига қаранг.

ЧИҚИШ
(ТАВРОТНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИ)

Кириш

Чиқиш китоби Тавротнинг иккинчи китобидир. Мазкур китобда Худо Ўз халқи Исроилни Мисрдаги қулликдан озод қилгани ва у ердан олиб чиққани тўғрисида ҳикоя қилинади. Шу боис, китоб “Чиқиш” деб номланган. Ибтидо китобининг охирида баён қилинган воқеалардан мазкур китобда баён қилинган воқеаларгача орадан 400 йил ўтади. Исроил халқи тахминан милоддан аввалги 1440 йилда Мисрдан чиқади (3 Шоҳлар 6:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

Чиқиш китобида Худонинг номи (3:13-15 га қаранг) ва Унинг илоҳий табиати намоён қилинган бўлиб: “Эгамиз танҳо, ҳақиқий Худодир, барча яратилганларнинг Ҳукмдоридир”, деб таълим берилади. Худо бирор ишни амалга оширишга қарор қилганда, ҳеч ким Уни тўхтата олмайди.

Чиқиш китобини уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмдаги аксарият воқеалар (1-13–боблар) Миср юртида рўй беради. Исроил халқи бу ерда фиръавнга қул бўлиб хизмат қиларди. Худо Ўз халқининг оҳу нолаларини эшитади. Уларни қулликдан озод қилиш учун Мусони танлайди.

Мусо фиръавндан, Исроил халқини қўйиб юбор, деб талаб қилганда, фиръавн рад жавобини беради. Шунинг учун Худо Мисрга ўнта офат юбориши тўғрисида Мусога айтади. Бу офатлар кўпинча “ўнта ўлат” деб ҳам айтилади. Охири, ноилож қолган фиръавн Исроил халқига Мисрдан чиқиб кетишга ижозат беради.

Китобнинг иккинчи қисмида (14-18–боблар) Исроил халқи Худонинг муқаддас тоғи — Синайга кетаётганларида бошларидан кечирган воқеалар ҳикоя қилинади. Миср фиръавни Исроил халқини озод қилиш фикридан дарров қайтиб, лашкарига уларни тутиб келиш ҳақида фармон беради. Лекин Худо Исроил халқини ҳимоя қилиб, Миср лашкарини қириб ташлайди. Сўнгра Исроил халқи саҳро бўйлаб юрганда, Худо уларни озиқ–овқат ва сув билан таъминлайди.

Китобнинг сўнгги қисмидаги воқеалар (19-40–боблар) Синай тоғида юз беради. Худо бу тоғда Мусога зоҳир бўлиб, унга ўнта амрни, шунингдек, кундалик турмуш, ахлоқ ва сажда маросимларига оид қонун–қоидаларни беради. Худо Исроил халқи орасида истиқомат қила олиши учун Мусога Муқаддас чодирни ясашни буюради. Чодир ва унинг жиҳозларига оид батафсил кўрсатмаларни беради. Муқаддас чодир Худонинг Ўз халқи орасидаги маскани бўлиб, халқ у ерда Худога турли назрлару қурбонликларни келтириши керак бўлади.

Мазкур китобнинг замирида ахлоқ ва Худога сажда қилиш каби муҳим мавзулар ётади. Чиқиш китобида Худо Ўз халқига тўғри сажда қилиш йўлларини ўргатади. Бироқ шу билан чекланибгина қолмай, уларга нажот ҳақида хабар бериб, Ўз ваъдаларига содиқлигини амалда кўрсатади.

1–БОБ

Мисрликлар Исроил халқига зулм ўтказади

1-4 Исроил* ўғилларининг исмлари қуйидагичадир: Рубен, Шимўн, Леви, Яҳудо, Иссахор, Забулун, Бенямин, Дан, Нафтали, Гад, Ошер. Улар отаси Ёқуб билан бирга ўз оилаларини олиб, Мисрга кетган эдилар. 5 Ўшанда Ёқубнинг авлоди ҳаммаси бўлиб етмиш* кишидан иборат эди. Унинг ўғли Юсуф бу пайтда Мисрда яшарди.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

6 Вақти–соати етиб, Юсуф, унинг ака–укалари ва ўша авлоднинг ҳаммаси
оламдан ўтиб кетди. 7 Исроил насли эса баракали бўлиб, борган сари кўпайиб
бораверди. Миср юрти улар билан тўлиб–тошди.
8 Ўша пайтда Миср тахтига янги фиръавн* ўтирди. У Юсуф тўғрисида ҳеч нарса
билмасди. 9 У ўз халқига шундай деди:
— Қаранглар, Исроил халқи бизга қараганда кўпайиб, кучайиб кетди. 10 Қани,
бир йўлини топиб, уларни кўпайиб кетишдан тўхтатайлик. Бўлмаса, уруш бўлиб
қолганда, улар душманларимизга қўшилиб, бизга қарши уруш қиладилар. Кейин
юртимиздан қочиб кетадилар.
11 Шундай қилиб, Мисрликлар назоратчилар тайинлаб, Исроил халқини оғир
ишларга мажбур қилдилар, тинка–мадорини қуритдилар. Исроил халқи фиръавн
учун Питом ва Рамзес деган омбор шаҳарларни* қуриб берди.
12 Лекин Мисрликлар Исроил халқига қанчалик зулм ўтказсалар ҳам, Исроил
халқи яна ҳам кўпайиб юрт бўйлаб ёйилиб борарди. Мисрликлар бу аҳволдан
қўрқувга тушиб қолдилар. 13-14 Улар Исроил халқини аёвсиз, зўрлик билан қул
қилиб, ҳар турли дала ишларига, лойдан ғишт қуйишга мажбурладилар.
Мисрликлар уларга шафқат қилмадилар.
15 Шифро ва Пуво деган иброний доялар бор эди. Миср фиръавни уларга
шундай фармон берди:
16 — Иброний аёллар кўзи ёриётган пайтда доялик қилаётганингизда,
яхшилаб эътибор беринг: чақалоқ ўғил бўлса, ўлдиринглар, қиз бўлса,
яшайверсин.
17 Иккала доя Худодан қўрқарди. Шунинг учун Миср фиръавнининг фармонига
итоат этмасдан, ўғил болаларни ўлдирмадилар. 18 Миср фиръавни дояларни
чақириб сўради:
— Нимага бунақа қиляпсизлар? Нимага ўғил болаларни тирик
қолдиряпсизлар?
19 — Иброний аёллар Мисрлик аёлларга ўхшамайдилар, — деб жавоб беришди
доялар. — Улар жуда бақувват, шунинг учун биз бормасимиздан олдин туғиб
қўйяптилар.
20 Шунинг учун Худо дояларга марҳамат қилди. Исроил халқи кўпайиб, яна ҳам
кучаяверди. 21 Доялар Худодан қўрққанлари учун, Худо уларни оилали қилди.
22 Шундан кейин фиръавн ўз халқига: “Ибронийларда туғилган ҳар бир ўғил бола
Нил дарёсига улоқтирилсин, қиз болалар эса яшайверсин”, деб фармон берди.

2–БОБ

Мусонинг туғилиши

1 Ўша пайтда Леви наслидан бир йигит билан қиз оила қурдилар. 2 Кейинчалик
аёл ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Аёл чақалоқнинг чиройлилигини кўриб, уни уч
ой яшириб юрди.
3 Лекин аёл чақалоқни ортиқ яшириб юролмаслигига кўзи етгач, қамиш сават
олди. Сув кирмасин деб, саватни қора сақич билан сувади. Кейин саватнинг ичига
чақалоқни солиб, саватни дарё бўйидаги қамишзор орасига қўйиб кетди.
4 Чақалоқнинг опаси* эса: “Унинг тақдири нима бўларкин”, деб узоқдан кузатиб
турди.
5 Шу пайтда фиръавннинг қизи дарё бўйига чўмилгани келиб қолди.
Канизаклари эса дарё бўйида юришарди. Фиръавннинг қизи бирдан қамишзор
орасидаги саватни кўриб қолди–да, чўрисига: “Саватни олиб кел!” деб буюрди.

6 Фиръавннинг қизи саватни очиб қарасаки, бир чақалоқ йиғлаб ётган экан. “Бу
иброний болаларидан бири”, деди у. Чақалоққа раҳми келди.
7 Чақалоқнинг опаси шу пайтда фиръавннинг қизи олдига келиб, ундан
сўради:
— Бориб, иброний аёлларидан бирортасини чақириб келайми? У энагалик
қилиб, сизга чақалоқни боқиб берарди.
8 — Майли, бор, — деди фиръавннинг қизи. Қизча бориб, чақалоқнинг онасини
чақириб келди. 9 Фиръавннинг қизи аёлга:
— Мана бу чақалоқни олиб бор, менга боқиб бер, — деди. — Қилган хизматинг
учун ҳақини тўлайман.
Шундай қилиб, аёл чақалоқни олиб кетди ва ўзи парвариш қилди.
10 Бола катта бўлгач, аёл уни фиръавннинг қизига олиб келди. Фиръавннинг
қизи болани ўзига ўғил қилиб олди. “Уни сувдан чиқариб олганман”, деб исмини
Мусо* қўйди.

Мусо Мидиён юртига қочиб кетади

11 Мусо улғайгандан кейин, бир куни қабиладошларини кўргани борди. У
қабиладошлари қилаётган оғир меҳнатни кузатиб турганда, бир иброний
биродарини бир Мисрлик ураётганига кўзи тушиб қолди. 12 Мусо атрофга қаради.
Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Мисрлик одамни ўлдириб, қумга кўмиб
қўйди.
13 Кейинги куни Мусо яна ўша ерга борганда, иккита ибронийнинг бир–бири
билан жанжаллашаётганини кўриб қолди. Мусо ноҳақлик қилган одамдан:
“Нимага биродарингни уряпсан?” деб сўради. 14 Шунда ҳалиги одам:
— Ким сени бизга ҳукмдор ва ҳакам қилиб қўйди? Мисрликни
ўлдирганингдай, мени ҳам ўлдирмоқчимисан? — деди. Ўша заҳоти Мусо: “Бу иш
ошкор бўлиб қолганга ўхшайди”, деб ўйлаб қўрқиб кетди. 15 Кейин фиръавн ҳам
бу воқеани эшитиб, Мусони ўлдирмоқчи бўлди. Лекин Мусо фиръавндан қочиб
Мидиён юртига* кетди. У Мидиёнга келиб, қудуқ ёнида ўтирди.
16 Мидиён юрти руҳонийсининг еттита қизи бор эди. Қизлар отасининг
қўй–эчкиларини суғориш учун охурларга сув тўлдиргани келиб қолдилар. 17 Аммо
бир нечта чўпон келиб, қизларни ҳайдаб юборишди. Шунда Мусо қизларни ҳимоя
қилди, уларнинг қўйларини суғоришга ҳам ёрдамлашди. 18 Кейин қизлар оталари
Ятронинг* ёнига қайтиб келдилар.
— Нимага бугун эрта қайтиб келдингизлар? — деб сўради Ятро қизларидан.
19 — Мисрлик бир одам бизни чўпонлардан ҳимоя қилди, — деб жавоб
беришди қизлар. — Бунинг устига, бизнинг ўрнимизга сув тортиб, қўйларимизни
ҳам суғорди.
20 — Қаерда ўша одам? — деб сўради Ятро қизларидан. — Нимага у одамни
қолдириб келдингизлар? Боринглар, уни чақириб келинглар, биз билан бирга
овқатлансин.
21 Шундай қилиб, Мусо Ятроникида яшашга рози бўлди. Ятро эса Мусони қизи
Зиппурага уйлантириб қўйди. 22 Зиппура Мусога ўғил туғиб берди. Мусо: “Мен
бегона юртда мусофир бўлиб қолдим”, деб ўғлининг исмини Гершом* қўйди.
23 Йиллар ўтди. Бу орада Миср фиръавни оламдан ўтиб кетди. Исроил халқи
ҳамон қулликда азоб чекар, мадад сўраб фарёд қиларди. Уларнинг фарёди Худога
етиб борди. 24 Худо Исроил халқининг оҳу нолаларини эшитди. Иброҳим, Исҳоқ,
Ёқуб билан аҳд қилиб берган ваъдаси* Унинг ёдида эди. 25 Хуллас, Худо Исроил
халқининг аҳволини кўриб, уларга ачинди.

3–БОБ

Худо Мусони чақиради

1 Мусонинг қайнатаси — Мидиён юртининг руҳонийси бўлган Ятро эди. Мусо
унинг қўй–эчкиларини боқиб юрарди. У қўй–эчкиларни саҳронинг ғарб томонига
ҳайдаб, Худонинг муқаддас тоғи Синайга* бориб қолди. 2 Бирдан бутадаги
алангада Эгамизнинг фариштаси Мусога зоҳир бўлди. Мусо ҳайрон бўлди: бута
ёнарди–ю, аммо ёниб тугамасди. 3 Мусо: “Жуда ғалати–ку, бориб, бир қарай–чи,
бута нимага ёниб тугамаяпти экан”, деб ўйлади. 4 Мусо яқинроқ борди, Эгамиз
унинг келаётганини кўриб, бутанинг орасидан: “Мусо! Мусо!” деб чақирди.

— Лаббай, шу ердаман, — деб жавоб берди Мусо.

5 — Энди бу ёғига келма! Оёғингдаги чориғингни еч! — деди Худо. — Сен
турган жой муқаддас ердир. 6 Мен ота–боболаринг — Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг
Худосиман.

Мусо Худога қарашдан қўрқиб, дарров юзини беркитиб олди.

7 Кейин Эгамиз яна айтди:

— Имонинг комил бўлсин: халқимнинг Мисрда чеккан азобларини кўрдим,
мадад сўраб назоратчилар зулми дастидан қилган фарёдларини эшитдим. Ҳа,
халқимнинг чеккан ҳамма азобларини биламан. 8 Шунинг учун Мен халқимни
Мисрликларнинг зулмидан қутқаргани келдим. Мен уларни Мисрдан олиб чиқиб,
кенг, унумдор, сут ва асал оқиб ётган юртга* олиб боргани келдим. У ерда Канъон,
Хет, Амор, Париз, Хив ва Ёбус халқлари яшайди. 9 Халқимнинг фарёди Менга етиб
келди. Мисрликлар халқимга қанчалик зулм ўтказаётганини кўриб турибман.
10 Қани, бўл, сени ҳозир Миср фиръавни ҳузурига юбораман. Халқим Исроилни
Мисрдан сен олиб чиқасан.

11 Шунда Мусо Худога:

— Мен ким бўлибманки, фиръавннинг ҳузурига бориб Исроил халқини
Мисрдан олиб чиқсам?! — деб жавоб берди. 12 Худо эса шундай деди:

— Мен сен билан бўламан. Исроил халқини Мисрдан олиб чиққанингдан
кейин, шу тоққа келиб, Менга сажда қиласизлар. Сени Мен юборганимнинг
исботи шу бўлади.

13 Аммо Мусо Худога қуйидагича жавоб берди:

— Исроил халқи олдига бориб: “Сизларнинг олдингизга
ота–боболарингизнинг Худоси мени юборди”, деб айтсам, улар: “Ким У?”* деб
сўрайдилар–ку! Ўшанда мен нима деб жавоб бераман?

14 — Мен ҳар доим бор бўлган Худоман*, — деб жавоб берди У. — Халқим
Исроилга: “Мени сизларнинг олдингизга юборганнинг номи — Мен Борман”, деб
айтасан. 15 Исроил халқига яна: “Мени сизларнинг олдингизга ота–боболарингиз
— Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси — Эгангиз* юборди”, деб айт. Менинг
номим то абад шундай бўлсин. Унвонимни келгуси авлодлар шундай деб айтсин.

16 Худо яна Мусога айтди:

— Энди бор, халқим Исроилнинг оқсоқолларини тўплаб, уларга:
“Ота–боболарингиз — Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси — Эгангиз менга
зоҳир бўлди”, деб айт. Уларга шу гапимни етказ: “Имонингиз комил бўлсин:
Мисрликлар сизларга қандай зулм ўтказаётганини Мен кўриб, кузатиб турибман.
17 Энди ваъда бериб айтаманки, сизларни Мисрда чекаётган
азоб–уқубатларингиздан халос қиламан. Сизларни Канъон, Хет, Амор, Париз, Хив
ва Ёбус халқларининг ерларига, сут ва асал оқиб ётган юртга бошлаб олиб
бораман.” 18 Исроил оқсоқоллари сенга қулоқ солишади. Кейин Миср фиръавни

ҳузурига улар билан сен ҳам бирга бор. Фиръавнга шундай деб айтинглар: “Ибронийларнинг Худоси — Эгамиз Ўзини бизга зоҳир қилди. Энди бизга ижозат бер, саҳрода уч кун йўл юриб бориб, Эгамиз Худога қурбонликлар келтирайлик.” 19 Аммо Миср фиръавнини мажбурламаса у сизларнинг кетишингизга ижозат бермаслигини биламан. 20 Ўшанда Мен қўлимни кўтариб, Мисрликларни ураман, ҳа, мўъжизалар орқали уларни жазолайман. Ўшандан кейингина фиръавн сизларнинг кетишингизга ижозат беради. 21 Мен шундай қиламанки, Мисрликлар сизларга илтифот кўрсатадилар. Сизлар кетаётганларингизда бўш қўл билан чиқиб кетмайсизлар. 22 Исроил халқидан ҳар бир аёл Мисрлик қўшнисидан ёки қўшнисининг уйида истиқомат қилаётган Мисрлик аёлдан олтин ва кумуш тақинчоқлар, кийим–кечаклар сўраб олади. Ўғилларингизни, қизларингизни тақинчоқлару кийим–кечаклар билан ясантирасизлар. Шундай қилиб, Мисрликларнинг бойликларини олиб кетасизлар.

4–БОБ

Мусога Эгамиз мўъжиза кўрсатиш қудратини ато қилади

1 Шунда Мусо:

— Исроил халқи гапимга қулоқ солмасдан: “Эгамиз сенга зоҳир бўлмаган”, деб менга ишонмаса, унда нима қиламан? — деб сўради.

2 — Қўлингдаги нима? — деб сўради Эгамиз.

— Таёқ, — деб жавоб берди Мусо.

3 — Таёқни ерга ташла! — деб амр қилди Эгамиз. Мусо таёқни ерга ташлаган эди, таёқ илонга айланиб қолди. Мусо дарров илондан ўзини олиб қочди.

4 Эгамиз яна Мусога:

— Қўлингни узатиб, илоннинг думидан ушла! — деб амр берди. Мусо қўлини узатиб, илоннинг думидан ушлаган эди, шу заҳоти илон Мусонинг қўлида яна таёққа айланиб қолди.

5 — Шу мўъжизани кўрсатасан! — деб амр берди Эгамиз, — токи Менинг халқим ота–боболари — Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси — Мен сенга зоҳир бўлганимга ишонсинлар.

6 Сўнгра Эгамиз яна:

— Қўлингни қўйнингга тиқ! — деб амр берди. Мусо қўлини қўйнига тиқиб, чиқарган эди, қўлига яра тошиб*, қордай оппоқ бўлиб қолди.

7 — Қўлингни яна қўйнингга тиқ! — деб амр берди Эгамиз. Мусо қўлини яна қўйнига тиқиб чиқарган эди, қўли танасининг қолган қисми сингари асл ҳолига қайтди.

8 — Агар сенга ишонмасалар ёки кўрсатган биринчи мўъжизангга эътибор бермасалар, иккинчи мўъжизага ишонадилар, — деди Эгамиз. 9 — Гапингга қулоқ солмай, иккала мўъжизага ҳам ишонмасалар, Нил дарёси сувидан олиб, қуруқ ерга тўк. Дарёдан олиб ерга тўккан сувинг қонга айланади.

10 — Ё Раббий! — деди Мусо. — Мен ҳеч қачон гапга чечан бўлмаганман. Мен, қулингга гапирганингдан буён ҳам худди шундайман. Ахир, менинг тилим чучук, секин гапираман.

11 Шунда Эгамиз:

— Инсонга тил ато қилган ким? — деди. — Инсонни ким соқов, кар, кўрадиган ёки кўр қилиб яратади? Мен, Эгангиз, эмасми?! 12 Энди бор! Гаплашганингда, Мен сен билан бирга бўламан. Нимани гапиришингни Мен сенга ўргатиб тураман.

13 — Ё Раббий! — деди Мусо. — Илтижо қиламан: менинг ўрнимга бошқасини

юбора қолгин.
14 Шундан кейин Эгамиз Мусодан қаттиқ ғазабланиб деди:
— Аканг Ҳорун бор–ку! У ҳам Леви наслидан. Биламан, у гапга чечан. Ана, ўзи ҳам сенга пешвоз келяпти. Аканг сени кўриб хурсанд бўлади. 15-16 Ҳорун сенинг ўрнингга халқ билан гаплашади. Ҳорун нима дейиши лозимлигини сен айтасан. Сен у учун Худога — Менга ўхшаган бўласан. Сизлар гапирганингизда, Мен икковингиз билан бирга бўламан. Ҳар икковингизга Мен нима қилишингизни айтиб тураман. 17 Мана бу таёғингни қўлингга ол, бу мўъжизаларни таёқ орқали кўрсатасан.

Мусо Мисрга қайтиб боради

18 Мусо қайнатаси Ятронинг олдига қайтиб келиб, унга деди:
— Ижозат беринг, Мисрдаги қабиладошларимнинг ёнига қайтай. Бориб билай–чи, улар ҳалиям тирикмикан.
— Эсон–омон бор, — деб Ятро у билан хайрлашди. 19 Мусо ҳамон Мидиёнда яшар экан, Эгамиз унга:
— Мисрга қайт, сенинг жонингни олмоқчи бўлганларнинг ҳаммаси оламдан ўтиб кетди, — деган эди.
20 Шундай қилиб, Мусо хотини билан ўғилларини эшакка миндирди. Худо, ол, деб тайинлаган таёқни* қўлига олиб, Мисрга борадиган йўлга чиқди. 21 Эгамиз Мусога яна шуларни эслатди:
— Мисрга борганингда, Мен берган қудрат билан сен фиръавннинг кўзи олдида ҳамма ажойиботларни кўрсат. Мен эса унинг юрагини тош қилиб қўяман. У халқимнинг кетишига ижозат бермайди. 22 Кейин сен фиръавнга Менинг шу гапимни етказ: “Эгамиз шундай айтмоқда: Исроил Менинг тўнғич ўғлимдир.
23 Ижозат бер, ўғлим бориб, Менга сажда қилсин, деб сенга айтган эдим. Аммо сен унга кетишга ижозат бермадинг. Шунинг учун энди сенинг тўнғич ўғлингни нобуд қиламан.”
24 Мусо ва унинг оиласи тунни ўтказгани йўлда тўхтадилар. Шу пайтда Эгамиз Мусонинг олдига* бориб, сал бўлмаса уни ўлдирай деди*. 25 Шу заҳоти хотини Зиппура* тош пичоқ* олиб, ўғлини суннат қилди. Суннат терисини Мусонинг оёқларига* теккизиб: “Сени мен учун шу суннат қони ҳимоя қилди”, деди.
26 Шунда Эгамиз Мусонинг ҳаётини сақлади. Зиппура Мусога: “Сен шу суннат қони орқали ҳимоя қилиндинг”, деди.
27 Сўнгра Эгамиз Ҳорунга:
— Мусони кутиб олгани саҳрога бор! — деб амр берди. Шундай қилиб, Ҳорун Мусони кутиб олгани Худонинг муқаддас тоғига* кетди. Ҳорун Мусони топгач, у билан қуюқ саломлашди. 28 Мусо Эгамизнинг айтган ҳамма гапларини Ҳорунга гапириб берди. Бажариши керак бўлган ҳамма мўъжизалар ҳақида ҳам Ҳорунга сўзлаб берди. 29 Шундай қилиб, Мусо билан Ҳорун Мисрга боришгач, Исроилнинг барча оқсоқолларини тўпладилар. 30 Ҳорун Эгамизнинг Мусога айтган ҳамма гапларини оқсоқолларга сўзлаб берди. Уларнинг кўзи олдида мўъжизаларни кўрсатди. 31 Оқсоқоллар эшитиб кўрганларига ишондилар. Эгамиз Ўз халқини кузатиб турганини, уларнинг чеккан азобларини кўрганини эшитиб, Унга таъзим этиб, сажда қилдилар.

5–БОБ

Мусо билан Ҳорун фиръавн ҳузурида

1 Шундан кейин Мусо билан Ҳорун фиръавн ҳузурига бориб, унга шундай

дедилар:

— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: “Халқимга ижозат бер, улар саҳро ичкарисига бориб, Менга атаб байрам нишонлашсин.”

2 Фиръавн эса:

— Эгангиз ким ўзи?! Унинг сўзига кириб Мен Исроил халқини қўйиб юборайми?! — деди. — Эгангизни танимайман, Исроил халқининг кетишига эса ижозат бермайман.

3 Шунда Мусо билан Ҳорун:

— Ибронийларнинг Худоси бизга Ўзини зоҳир қилди, — деб жавоб беришди. — Ижозат беринг, саҳрода уч кун йўл юриб бориб, Эгамиз Худога қурбонликлар келтирайлик. Акс ҳолда, У бизни ё ўлатга мубтало қилади, ёки қиличнинг дамига рўпара қилиб жазолайди.

4 Лекин Миср фиръавни:

— Эй Мусо! Эй Ҳорун! Нимага халқни ишдан қолдиряпсизлар?! — деди. — Боринглар, ишларингизни қилинглар! 5 Қаранглар, бу ерда қанча қароллар* бор–а! Сизлар бўлса, уларни чалғитиб, ишдан қўймоқчисизлар!

6 Ўша куни фиръавн Исроил халқининг тепасида турган Мисрлик назоратчиларга ва Исроил халқидан бўлган ишбошиларга шундай фармон берди: 7 “Исроил халқига ғишт қуйгани энди олдингидай сомон бермanглар. Ўзлари юриб сомон йиғишсин. 8 Олдин қанча ғишт қуйишган бўлса, бундан кейин ҳам шунча ғишт қуйишга мажбур қилинглар. Ғишт қуйиш миқдорини ҳеч ҳам камайтирманглар. Улар дангаса халқ. Шунинг учун улар, ижозат беринг, бориб, Худойимизга қурбонликлар келтирайлик, деб нола қилишяпти. 9 Уларни шунақанги ишлатингларки, иш билан қаттиқ банд бўлиб, беҳуда гапларга қулоқ солишмасин*.”

10 Шундай қилиб, Исроил халқининг тепасида турган Мисрлик назоратчилар билан Исроил халқидан бўлган ишбошилар бориб, Исроил халқига айтдилар:

— Фиръавн шундай демоқда: “Сизларга энди сомон бермайман. 11 Боринглар! Қаердан бўлса ҳам ўзларингиз сомон топинглар. Лекин қуяётган ғиштингизнинг миқдори асло камаймасин.”

12 Исроил халқи сомон ўрнига хас–чўп йиғиш учун бутун Миср юрти бўйлаб тарқалиб кетди. 13 Назоратчилар эса уларни сиқувга олар эдилар. “Кундалик ишларингизни сомон берилган кунлардагидай камайтирмасдан бажаринглар”, деб айтардилар. 14 Фиръавннинг назоратчилари ўзлари хизматга тайинлаган Исроил халқи ишбошиларини калтаклаб: “Нимага кеча ҳам, бугун ҳам, олдингидай, белгиланган миқдордаги ғиштни қуймаяпсизлар?” деб талаб қилардилар.

15 Шундан сўнг Исроил халқининг ишбошилари фиръавн ҳузурига бориб, фарёд қилдилар:

— Нимага биз, қулларингизга, бундай муомала қиляпсиз? 16 Бизга сомон беришмайди–ю, “Ғишт қуйинглар!” деб буйруқ қилишади. Биз калтак остида қолдик–ку! Айбдор эса сизнинг одамларингиз.

17 Фиръавн эса:

— Дангасасизлар, дангаса! — дея жавоб берди. — Шунинг учун: “Ижозат бер, бориб, Эгамизга қурбонликлар келтирайлик”, деяверасизлар. 18 Боринглар, ишланглар! Сизларга сомон берилмайди. Лекин белгиланган миқдордаги ғиштни қуясизлар.

19 Шунда Исроил халқининг ишбошилари: “Кунда белгиланган ғишт миқдорини камайтирмасдан қуясизлар!” деган гапни эшитиб, қийин аҳволда

қолганларини тушундилар. 20 Улар фиръавн ҳузуридан чиқишлари билан, Мусо
билан Ҳорунга дуч келишди. Иккови уларни кутиб турган эди. 21 Исроил халқи
ишбошилари:
— Сизлар бизни фиръавнга, унинг аъёнларига ёмон кўрсатиб қўйдингизлар,
— дейишди. — Бизни ўлдиришига сабаб топиб бердингиз. Эгамиз
қилмишларингизни кўриб, жазоингизни берсин!

Мусо Эгамизга шикоят қилади

22 Шундан кейин Мусо уларнинг олдидан кетиб, Эгамизга илтижо қилди:
— Ё Раббий! Нимага бу халқни шунчалик кулфатга қўйдинг? Нимага мени
юбординг? 23 Фиръавнга Сенинг хабарингни олиб келишим биланоқ, у халқингга
баттар ваҳшийлик қила бошлади. Сен эса Ўзингнинг халқингни озод қилмадинг.

6–БОБ

Эгамиз Исроил халқини қутқаришга ваъда беради

1 Шундан сўнг Эгамиз Мусога айтди:
— Фиръавнни нима қилишимни энди кўрасан. У қудратли кучимни кўргандан
кейин, халқимнинг кетишига ижозат берибгина қолмайди, ҳатто халқимни ўз
юртидан қувиб юборади.
2 Худо Мусога яна деди:
— Мен Эгангизман. 3 Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга Мен Қодир Худо бўлиб
Ўзимни зоҳир қилдим*. Аммо уларга Мен, уларнинг Эгаси деб танилмаган эдим*.
4 Улар Канъон юртида мусофир бўлиб яшаган эдилар. Ўша юртни сизларга
бераман, деб улар билан аҳд қилдим*. 5 Мисрликлар қул қилган Исроил
халқининг фарёдини аниқ эшитдим. Мен ўша аҳдимни ёдимда тутаман. 6 Шундай
қилиб, бу тўғрида Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Мен Эгангизман.
Мен сизларни Мисрликларнинг зулмидан озод қиламан, қулликдан олиб
чиқаман. Қудратли кучим ва ҳукмнинг буюк ишлари билан сизларни қулликдан
озод қиламан. 7 Мен сизларни Ўзимнинг халқим қиламан, сизларнинг Худойингиз
бўламан. Сизларни Мисрликларнинг зулмидан халос қилган Эгангиз Худо Мен
эканлигимни ўшанда билиб оласизлар. 8 Мен Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга онт
ичиб, бераман деган юртга сизларни олиб бораман. Ўша юртни сизларга мулк
қилиб бераман. Мен Эгангизман.”
9 Мусо бу гапларни Исроил халқига айтган эди, аммо халқ унинг гапларига
қулоқ солмади. Чунки халқ оғир зулм остида қолиб, руҳан тушкунликка тушган
эди. 10 Шундан кейин Эгамиз Мусога айтди:
11 — Миср фиръавни ҳузурига бориб айт: Исроил халқи Мисрдан чиқиб
кетишига ижозат берсин.
12 — Гапимга Исроил халқи қулоқ солмади–ю, фиръавн қулоқ солармиди?! —
деди Мусо. — Қолаверса, яхши гапира олмайман–ку!
13 Аммо Эгамиз Мусо билан Ҳорунга амр қилди: “Миср фиръавни олдига
қайтиб боринглар. Исроил халқи Мисрдан кетишига ижозат беринг, деб талаб
қилинглар.”

Мусо ва Ҳоруннинг насл–насаби

14 Баъзи Исроил қабилаларининг уруғбошилари қуйидагилардир:

Ёқубнинг* тўнғич ўғли Рубеннинг Ханўх, Паллув, Хазрон ва Карми деган
ўғиллари бор эди. Улардан Рубен қабиласининг уруғлари келиб чиққан.

15 Шимўннинг Ямувол, Ёмин, Охад, Ёхин, Зўхар ва Канъонлик аёлдан
туғилган Шовул деган ўғиллари бор эди. Улардан Шимўн қабиласининг
уруғлари келиб чиққан.

16 Леви 137 йил яшади. Унинг Гершон, Қоҳот ва Марори деган ўғиллари
бор эди. 17 Гершоннинг Лубнах ва Шимах деган ўғиллари бор эди. 18 Қоҳот
133 йил яшади. Унинг Имром, Изхор, Хеврон ва Узиёл деган ўғиллари бор
эди. 19 Мароринг Махли ва Муши деган ўғиллари бор эди. Уларнинг
ҳаммасидан Леви қабиласининг уруғлари келиб чиқди.
20 Имром 137 йил яшади. У ўзининг аммаси Йўхавадга уйланди. Йўхавад
Имромга Ҳорун ва Мусони туғиб берди. 21 Изхорнинг Кўрах, Нафах ва Зихри
деган ўғиллари бор эди. 22 Узиёлнинг Мишаил, Элзафан ва Ситри деган
ўғиллари бор эди.
23 Ҳорун Элишбага уйланди. У Оминадавнинг қизи, Нахшўннинг
синглисидир. Элишба Ҳорунга тўртта ўғил: Надов, Абиҳу, Элазар ва
Итамарни туғиб берди. 24 Кўрахнинг Асер, Элқана ва Абуасаф деган
ўғиллари бор эди. Улардан Кўрах уруғлари келиб чиқди. 25 Ҳоруннинг ўғли
Элазар Футиёлнинг қизларидан бирига уйланди. Хотини Элазарга
Финхазни туғиб берди.
Уруғлари бўйича Леви қабиласининг уруғбошилари ана шулардир.

26 Юқорида айтиб ўтилган Ҳорун ва Мусога Эгамиз: “Исроилнинг ҳар бир
оиласи ва қабиласини Мисрдан олиб чиқинглар!” деб амр берди. 27 Улар: “Исроил
халқини озод қилинг”, деб Миср фиръавнига буйруқ бердилар.

Ҳорун Мусонинг ўрнига гапиради

28 Шундай қилиб, Эгамиз Мусо билан Мисрда гаплашганда, 29 унга: “Мен
Эгангизман, сенга айтганларимнинг ҳаммасини Миср фиръавнига етказ!” деб амр
берган эди. 30 Мусо эса Эгамизнинг олдида: “Мен яхши гапира олмайман–ку!
Фиръавн менинг гапимга қулоқ солмайди!” деган эди.

7–БОБ

1 Эгамиз Мусога айтди:
— Қараб тур, аканг Ҳорунни сенинг ўрнингга гапирадиган қиламан. Сени
фиръавн учун Худодай қилиб қўяман. Ҳорун эса сенинг пайғамбаринг бўлиб,
гапларингни фиръавнга етказади. 2 Мен сенга айтган ҳамма амрларни аканга
айт. Исроил халқи Мисрдан чиқиб кетиши учун ижозат бер, деб Ҳорун фиръавнга
айтади. 3 Лекин Мен аломату мўъжизаларимни Миср юртида кўрсатай деб,
фиръавннинг юрагини тош қилиб қўяман. 4 Фиръавн сизларнинг гапингизга
қулоқ солмайди. Ўшанда Мен Мисрга қарши қўл кўтариб, унга кўп кулфатлар
келтираман. Кейин ҳукмнинг қудратли ишлари билан Исроил оилаларини ва
қабилаларини олиб чиқаман. 5 Мисрга қарши қўл кўтариб, Исроил халқини
Мисрликларнинг орасидан олиб чиққанимда, Эгангиз Мен эканлигимни Миср
халқи билиб олади.
6 Мусо билан Ҳорун Эгамизнинг амрига биноан иш тутдилар. 7 Улар фиръавн
билан гаплашганларида, Мусо саксон ёшда, Ҳорун саксон уч ёшда эди.

Ҳоруннинг таёғи

8 Эгамиз Мусо билан Ҳорунга гапирди:
9 — Фиръавн сизларга: “Бирорта ажойибот кўрсатинглар–чи”, деб айтса,

Ҳорунга буюр, таёқни олиб, фиръавннинг олдига ташласин. Таёқ илонга айланиб қолади.

10 Шундай қилиб, Мусо билан Ҳорун фиръавн ҳузурига бордилар. Эгамиз амр
этгандай иш тутдилар: Ҳорун таёғини фиръавн ва унинг аъёнлари олдига
ташлаган эди, таёқ ўша заҳоти илонга айланиб қолди. 11 Шунда фиръавн ҳам
ўзининг сеҳргарларини — донишмандларини ва фолбинларини чақирди. Миср
сеҳргарлари сеҳр–жодуларини ишлатиб, ўшанақа мўъжиза кўрсатдилар. 12 Ҳар
бири таёғини ерга ташлаган эди, таёқ илонга айланиб қолди. Ҳоруннинг илони
Миср сеҳргарларининг илонларини ютиб юборди. 13 Эгамиз айтгандай, барибир,
фиръавннинг юраги тошлигича қолди, Мусо билан Ҳоруннинг гапига у қулоқ
солмади.

Биринчи фалокат: Нил дарёси қонга айланади

14 Шундан кейин Эгамиз Мусога айтди:

— Барибир, фиръавннинг юраги тошлигича қолиб, халқимнинг кетишига
ижозат беришни истамаяпти. 15 Эртага эрталаб фиръавннинг олдига бор. У дарёга
боради. Сен уни дарё бўйида кутиб тур. Илонга айланган таёғинг қўлингда
бўлсин. 16 Фиръавнга шундай деб айт: “Ибронийларнинг Худоси — Эгамиз мени
сенинг ҳузурингга шу гапни айтгани юборди: «Менинг халқимга ижозат бер, улар
саҳрога бориб, Менга сажда қилишсин.» Сен ҳамон Эгамизнинг гапига қулоқ
солмаяпсан. 17 Эгамиз шундай айтмоқда: «Эгангиз Мен эканлигимни энди билиб
оласан.» Қўлимдаги мана бу таёқни Нил дарёсининг сувига урганимда, сув қонга
айланади. 18 Дарёдаги балиқлар нобуд бўлади. Дарё сасиб кетади. Миср халқи
дарё сувини ичолмайди.”

19 Сўнгра Эгамиз Мусога шундай деди:

— Ҳорунга айт, таёқни қўлига олиб, Миср сувлари томонга — Мисрдаги
дарёлар, анҳорлар, кўллар, ҳамма сув ҳавзалари томонга узатсин. Мисрдаги ҳамма
жойларда сув қонга айланади, ҳатто бутун Миср юртидаги ёғоч ва тош
идишлардаги сувлар ҳам қонга айланади.

20 Шундай қилиб, Мусо билан Ҳорун Эгамиз амр этгандай қилишди: Ҳорун
фиръавн ва унинг аъёнлари кўзи олдида таёғини кўтариб дарё сувига урган эди,
шу заҳоти дарё суви қонга айланиб қолди. 21 Дарёдаги балиқлар нобуд бўлиб,
дарё суви сасиб кетди. Миср халқи дарё сувини ичолмай қолди. Мисрнинг ҳамма
ери қонга тўлиб кетди. 22 Миср сеҳргарлари ҳам сеҳр–жодуларини ишлатиб, худди
ўшандай қилдилар. Эгамиз айтгандай, барибир, фиръавннинг юраги тошлигича
қолди, Мусо билан Ҳоруннинг гапига у қулоқ солмади. 23 Бўлиб ўтган мўъжизадан
фиръавннинг юраги қилт этмасдан, саройига қайтди. 24 Дарё сувини ичиб
бўлмагани сабабли, Миср халқи ичимлик суви топиш учун дарё яқинида қудуқлар
ковлай бошладилар. 25 Эгамиз Нил дарёси сувини қонга айлантиргандан кейин
етти кун давомида сув қон бўлиб оқаверди.

8–БОБ

Иккинчи фалокат: қурбақа офати

1 Эгамиз Мусога яна айтди:

— Фиръавннинг ҳузурига бориб, Менинг шу гапимни етказ: “Эгамиз шундай
айтмоқда: Менинг халқимга ижозат бер, улар бориб, Менга сажда қилсин. 2 Агар
сен халқимга ижозат беришдан бош тортсанг, бутун юртингга қурбақа юбориб
шикаст етказаман. 3 Дарё қурбақалар билан тўлиб–тошади. Қурбақалар дарёдан
чиқиб, сенинг саройингга, ётоқхонангга, тўшагингга, аъёнларингу халқингнинг

уйларига, тандирларига ва хамир тоғораларига ҳам кириб олади. [4] Қурбақалар сенинг, Миср халқининг ва барча аъёнларингнинг устиларида сакраб юради.”

[5] Эгамиз Мусога яна гапирди:

— Ҳорунга айт, у қўлидаги таёғини дарёлар, анҳорлар, кўллар томонга узатиб, қурбақаларни чиқарсин. Миср юртини қурбақалар босиб кетсин.

[6] Ҳорун таёғини Миср сувлари томонга узатди. Ўша заҳоти қурбақалар чиқиб, Мисрни босиб кетди. [7] Мисрлик сеҳргарлар ҳам сеҳр–жодулари билан Миср юртига қурбақалар чиқардилар. [8] Шунда фиръавн Мусо билан Ҳорунни чақириб айтди:

— Эгангизга: “Фиръавнни ва унинг халқини Ўзинг қурбақалардан халос қилгин”, деб ибодат қилинглар. Шундан кейин Исроил халқига кетгани ижозат бераман, токи улар бориб Эгангизга қурбонликлар келтирсин.

[9] Шунда Мусо фиръавнга деди:

— Хўп, вақтини ўзинг тайинла. Қурбақалар сизлардан, хонадонларингиздан йўқолсин, фақат Нил дарёсида қолсин деб, сен учун, аъёнларинг ва халқинг учун қачон ибодат қилай?

[10] — Эртага, — деди фиръавн.

— Бўпти, сен айтгандай бўлади! — деб жавоб берди Мусо. — Ўшанда Эгамиз Худога ўхшаган худо йўқлигини билиб оласан. [11] Қурбақалар сендан, аъёнларингдан, халқингдан ва хонадонларингиздан йўқолади. Фақат Нилда қолади, холос.

[12] Шундай қилиб, Мусо билан Ҳорун фиръавн ҳузуридан чиқдилар. Фиръавн бошига келтирган қурбақа офатини йўқ қилгин, деб Мусо Эгамизга илтижо қилди. [13] Эгамиз Мусонинг илтижосини эшитди, уйлардаги, ҳовлилардаги ва далалардаги қурбақалар ўлди. [14] Қурбақаларнинг ўлигини уюм–уюм қилдилар. Миср юртини қўланса ҳид тутиб кетди. [15] Лекин фиръавн Миср юрти қурбақадан халос бўлганини кўргач, Эгамиз айтгандай, юрагини тош қилиб, Мусо билан Ҳоруннинг гапига қулоқ солмади.

Учинчи фалокат: бурга офати

[16] Эгамиз Мусога гапиришда давом этди:

— Ҳорунга буюр, у таёғини узатиб, ернинг чангига урсин. Шунда ердаги чанг бургага айланиб, бутун Мисрни қоплайди.

[17] Улар Эгамизнинг айтганини қилдилар: Ҳорун қўлидаги таёғини узатиб, ернинг чангига урган эди, инсонлар билан ҳайвонларнинг устига бурга ёпирилди. Бутун Миср еринг чанги бургага айланди. [18] Одамларни, ҳайвонларни бурга босиб кетди. Сеҳргарлар ҳам сеҳр–жодулари билан чангни бургага айлантирмоқчи бўлдилар, лекин уддасидан чиқолмадилар. [19] Улар фиръавнга: “Бу Худонинг иши”, дейишди. Лекин Эгамиз айтгандай, барибир, фиръавннинг юраги тошлигича қолиб, Мусо билан Ҳоруннинг айтганларига қулоқ солмади.

Тўртинчи фалокат: сўна офати

[20] Эгамиз Мусога яна гапирди:

— Эртага саҳарда ўрнингдан тур. Фиръавн дарёга бораётганда, унинг олдига боргин–да, Менинг шу гапимни етказ: “Эгамиз шундай айтмоқда: Менинг халқимга ижозат бер, улар бориб, Менга сажда қилсин. [21] Агар халқимни қўйиб юбормасанг, Мен ўзингнинг, аъёнларингнинг, халқингнинг устига сўналар* галасини юбориб жазолайман. Мисрликларнинг уйлари, улар яшаётган ер сўнага тўлиб–тошади. [22] Лекин ўша куни Ўз халқим яшаётган Гўшен ерларини* ажратиб қўяман. У ерда сўна бўлмайди. Мен, Эгангиз, бу юртда бор эканлигимни билиб

олинглар деб, шуни қиламан. 23 Мен Ўз халқим билан сенинг халқингни айириб
қўяман*. Бу мўъжиза эртага юз беради.”
24 Эгамиз айтганини қилди: фиръавннинг саройига, аъёнларининг уйларига
гала–гала сўна юборди. Бутун Миср юрти сўна оқибатида хароб бўлди. 25 Шундан
сўнг фиръавн Мусо билан Ҳорунни чақириб: “Боринглар, шу юрт ичида
Худойингизга қурбонликлар келтираверинглар”, деб айтди.
26 — Бундай қилсак, тўғри бўлмайди, — деб жавоб берди Мусо. — Эгамиз
Худога ҳайвонларни қурбонлик қилсак, Мисрликлар буни жирканч деб
ҳисоблайдилар. Мисрликлар қабиҳ деб ҳисоблаган ишни яна уларнинг кўзи
олдида қилсак, бизни тошбўрон қилмайдиларми?!* 27 Эгамиз Худо, бизга амр
этгандай, Унга қурбонликлар келтиргани саҳрода уч кун йўл юриб боришимиз
керак.
28 — Майли, ижозат бераман, — деди фиръавн. — Саҳрога бориб, Эгангиз
Худога қурбонликлар келтиринглар. Лекин узоққа кетмайсизлар. Энди сен
ҳозироқ мен учун ибодат қил.
29 — Ҳузурингдан чиқишим биланоқ Эгамизга: “Эртага сўналар фиръавндан,
аъёнларидан, халқидан даф бўлсин”, деб ибодат қиламан, — деди Мусо. — Лекин
халқ Эгамизга қурбонликлар келтиргани кетаётганда, бизни алдама, ижозат
бермай қўйма.
30 Мусо фиръавн ҳузуридан чиқиб, Эгамизга ибодат қилди. 31 Эгамиз Мусонинг
ибодатини эшитди. Фиръавндан, унинг аъёнларидан, Миср халқидан сўналарни
даф қилди. Бирорта ҳам сўна қолмади. 32 Лекин фиръавн бу сафар ҳам юрагини
тош қилиб, халққа кетишга ижозат бермади.

9–БОБ

Бешинчи фалокат: чорванинг ўлими

1 Шундан кейин Эгамиз Мусога яна гапирди:
— Фиръавннинг ҳузурига бориб, унга Менинг шу гапимни етказ:
“Ибронийларнинг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: «Менинг халқимга ижозат
бер, улар бориб, Менга сажда қилишсин.» 2 Агар ижозат бермай, Исроил халқини
ушлаб тураверсанг, 3 чорвангни — отларингни, эшакларингни, туяларингни,
мол–қўйларингни Эгамиз Ўз қудрати билан уриб, оғир ўлат касали юборади.
4 Эгамиз Исроил халқи билан Мисрликларнинг чорвасини айириб қўяди. Исроил
халқининг чорвасидан бирортасиям нобуд бўлмайди. 5 Эгамиз вақтини ҳам
белгилаб, айтганларим эртага бу юртда бажо бўлади, деб айтди.”
6 Эртаси куни Эгамиз айтганларини қилди: Мисрликларнинг чорваси қирилиб
кетди. Исроил халқининг чорвасидан эса бирортасини ҳам нобуд қилмади.
7 Фиръавн одам юбориб билдики, Исроил халқининг чорвасидан бирортасиям
нобуд бўлмабди. Лекин барибир, фиръавннинг юраги тошлигича қолиб, Исроил
халқига кетишга ижозат бермади.

Олтинчи фалокат: чипқон офати

8 Шундан кейин Эгамиз Мусо билан Ҳорунга яна айтди:
— Ўчоқдан бир оз кул олинглар. Мусо кулни фиръавннинг кўзи олдида
осмонга сочсин. 9 Шунда кул чангга айланиб, бутун Мисрни чанг қоплайди. Кул
бутун юртдаги инсонларнинг, ҳайвонларнинг танасига яллиғланган чипқон
чиқаради.
10 Шундай қилиб, Мусо билан Ҳорун ўчоқдан кул олиб, фиръавн ҳузурига
бордилар. Мусо кулни осмонга сочган эди, кул одамларда ва ҳайвонларда

яллиғланган чипқон пайдо қилди. 11 Сеҳргарлар ҳам Мусонинг олдида чипқон
оғриғига чидаб туролмадилар. Чунки барча Мисрликлар каби, сеҳргарларга ҳам
чипқон чиққан эди. 12 Аммо Эгамиз фиръавннинг юрагини тош қилиб қўйди. У
Мусога айтгандай, Мусо билан Ҳоруннинг гапига фиръавн қулоқ солмади.

Еттинчи фалокат: дўл офати

13 Эгамиз Мусога яна деди:

— Саҳар пайти тур. Фиръавннинг ҳузурига бориб, унга Менинг шу гапимни
етказ: “Ибронийларнинг Худоси — Эгамиз айтмоқда: Менинг халқимга ижозат
бер, улар бориб, Менга сажда қилсин. 14 Агар ижозат бермасанг, бу дунёда Менга
ўхшаган худо йўқлигини билиб оласан деб, Мен ўзингнинг, аъёнларингнинг,
халқингнинг устига жуда оғир фалокатларни юбораман. 15 Ҳақиқатан, Мен сенга
қарши қўл кўтариб, ўзинг ва халқингни ўлатга дучор қилиб, ер юзидан қириб
юборган бўлардим. 16 Аммо сенга қудратимни кўрсатай, бутун оламга
шуҳратимни ёяй деб, яшашингга изн бердим. 17 Сен халқимнинг кетишига ижозат
бермай, уларга қаршилик қиляпсан. 18 Билиб қўй, Мен эртага шу вақтда
шунақанги дўл ёғдираманки, Миср юрти пайдо бўлгандан буён бунақа дўлни
кўрмаган. 19 Энди, чорвамни ва очиқ жойлардаги бор мол–мулкимни пана
жойларга йиғинглар, деб фармон бер. Дўл ёққанда очиқ далада қолган ҳамма
одамлару ҳайвонлар нобуд бўлади.”

20 Фиръавннинг аъёнларидан баъзилари Эгамизнинг сўзларидан қўрқиб,
қулларини ва чорвасини дарров уйларига олиб келдилар. 21 Эгамизнинг
сўзларини менсимаганлар эса қуллари билан чорвасини очиқ жойда
қолдирдилар.

22 Эгамиз Мусога:

— Қўлингни осмонга узат! — деди. — Мисрнинг ҳамма жойига, одамларнинг,
ҳайвонларнинг, даладаги жамики экинларнинг устига дўл ёғади.

23 Мусо таёғини осмонга тўғри кўтарган эди, Эгамиз момақалдироқ ва дўл
пайдо қилди, ерга яшин тушди. Шундай қилиб, Эгамиз Миср юртига дўл юборди.
24 Натижада ғоят кучли дўл ёғиб, узоқ вақт яшин чақнади. Миср пайдо бўлгандан
бери бунақанги дўлни кўрмаган эди. 25 Дўл Мисрда очиқ жойлардаги ҳамма
нарсани — инсондан тортиб, ҳайвонлару экин–тикинларгача нобуд қилди.
Дарахтларни ер билан яксон қилди. 26 Фақат Исроил халқи яшаётган Гўшен
ерларига дўл ёғмади.

27 Фиръавн шундан сўнг Мусо билан Ҳорунни чақиртириб келиб шундай деди:

— Бу сафар мен айбдорман. Эгангиз ҳақ, мен билан халқим эса ноҳақмиз. 28 Бу
даҳшатли момақалдироқ билан дўлга ортиқ бардош беролмаймиз. Илтимос,
Эгангиздан сўранг, буларни тўхтатсин. Халқингиз кетишига ижозат бераман.
Сизлар энди Мисрда ортиқ қолмайсизлар.

29 — Шаҳардан чиқишим биланоқ қўлларимни Эгамизга чўзиб илтижо
қиламан, — деди Мусо. — Момақалдироқ тўхтайди, дўл ҳам ёғмайди. Ўшанда
бутун олам Эгамизники эканини биласан. 30 Лекин шуниси менга маълумки,
ўзинг, аъёнларинг ҳали ҳам Парвардигор Эгамиздан қўрқмайсизлар.

31 Бу пайтда арпа бошоқлаган, зиғирпоя гуллаб қолганди. Зиғирпоя ва арпа
пайҳон бўлди. 32 Бироқ буғдой кечки бўлгани учун* зарар кўрмади. 33 Мусо
фиръавн ҳузуридан чиқиб, шаҳардан ташқарига борди. У қўлларини Эгамиз
томон узатган эди, момақалдироқ ва дўл тўхтади, ёмғир ҳам тинди. 34 Ёмғир
тиниб, дўл ва момақалдироқ тўхтаганини фиръавн кўрди–ю, яна гуноҳга қўл
урди. Ўзи ҳам, аъёнлари ҳам юрагини тош қилиб олдилар. 35 Эгамиз Мусо орқали
айтгандай, барибир, фиръавннинг юраги тошлигича қолиб, Исроил халқига

кетишга ижозат бермади.

10–БОБ

Саккизинчи фалокат: чигиртка офати

1 Эгамиз Мусога амр берди:

— Фиръавннинг ҳузурига бор! Мен, мўъжизаларимни уларнинг орасида кўрсатай деб, фиръавнни ва унинг аъёнлари юрагини тош қилиб қўйдим. 2 Мисрликларни масхара қилдим, уларга мўъжизалар кўрсатдим. Энди сизлар болаларингизга, набираларингизга буларни айтиб берасизлар деб, шу ишларни қилдим. Ана шунда Эгангиз Мен эканлигимни ҳаммаларингиз билиб оласизлар.

3 Мусо билан Ҳорун фиръавннинг ҳузурига бориб, унга Эгамизнинг шу гапини етказдилар:

— Ибронийларнинг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: “Сен қачонгача Менга итоат этмай юрасан?! Халқимга ижозат бер, улар бориб, Менга сажда қилишсин. 4 Агар халқимнинг кетишига ижозат бермасанг, Мен эртага юртингга чигирткалар* юбораман. 5 Чигирткалар ер юзини шунақанги қоплайдики, ер тамомила кўринмай қолади. Дўлдан омон қолган ҳосилингизни, далада ўсган жамики дарахтларингизни чигирткалар еб битиради. 6 Саройинг, аъёнларингнинг уйлари, ҳамма Мисрликларнинг хонадонлари чигирткага тўлиб кетади. Ота–боболаринг ер юзида пайдо бўлгандан буён бунақасини кўрмаган.”

Шундан кейин Мусо фиръавннинг ҳузуридан бурилиб чиқиб кетди.

7 Шунда аъёнлар фиръавнга:

— Бу одам бизга тузоқ бўлса ҳам, қачонгача индамайсиз?! — дедилар. — Ижозат беринг ўшаларга! Кетаверишсин. Эгаси Худога сажда қилишсин. Кўрмаяпсизми, Миср хароб бўлди–ку!

8 Шундан сўнг Мусо билан Ҳорунни фиръавн ўз ҳузурига чақиртирди. Фиръавн икковига деди:

— Майли, боринглар, Эгангиз Худога сажда қилинглар. Аммо сизлардан кимлар боради?

9 — Ёшу қари — ҳаммамиз бирга кетамиз, — деб жавоб берди Мусо. — Ўғилларимизни, қизларимизни, мол–қўйларимизни ҳам олиб кетамиз. Эгамизга атаб байрам нишонлашимиз керак.

10 Фиръавн қаршилик қилди:

— Агар хотинларингиз ва болаларингиз билан кетишларингизга ижозат берсам, Эгангиз албатта сизлар билан бўлади! Ниятингиз ёмонлиги очиқ кўриниб турибди. 11 Йўқ, уларга асло жавоб бермайман! Эгангизга сажда қилгани боришни истаётган сизлар эмасми?! Жуда яхши. Фақат эркакларни олинглар–у, кетаверинглар.

Шунда Мусо билан Ҳорунни фиръавннинг ҳузуридан ҳайдадилар.

12 Эгамиз Мусога:

— Қўлингни Миср узра узат! — деб амр берди. — Миср юртига чигиртка ёғилсин. Чигирткалар бу юртдаги ҳамма ўсимликларни, дўлдан омон қолган ҳамма экин–тикинни еб битирсин.

13 Мусо таёғини Миср узра узатган эди, Эгамиз бу юртга шарқдан шамол эстирди. Бир кеча–кундуз шамол эсди. Шарқдан эсган шамол эрталабгача чигирткаларни олиб келди. 14 Бутун Миср юртига чигиртка ёпирилди. Мисрнинг ҳамма жойини чигиртка босиб кетди. Чигирткалар шунчалик уйилиб кетдики, илгари бунақаси бўлмаган эди, бундан кейин ҳам бўлмайди. 15 Ер юзини чигиртка

босиб кетганидан, ер қоп–қора бўлиб қолди. Жамики экин–тикинни, дўлдан омон қолган дарахтлардаги мева–чеваларни чигиртка еб битирди. Мисрдаги бирор дарахтда, бирор ўсимликда яшил барг қолмади. 16 Фиръавн зудлик билан Мусо билан Ҳорунни чақиртириб, уларга айтди:

— Эгангиз Худога ва ўзларингизга қарши гуноҳ қилдим. 17 Ўтинаман, бир мартагина гуноҳимдан кечиб, Эгангиз Худога илтижо қилинглар. Бу ҳалокатли офатни мендан даф қилсин.

18 Мусо фиръавннинг ҳузуридан чиқиб, Эгамизга ибодат қилди. 19 Эгамиз ғарбдан жуда кучли шамол эстирди. Шамол чигирткаларни Қизил денгизга* учириб олиб кетди. Миср юртида биронта ҳам чигиртка қолмади. 20 Лекин Эгамиз фиръавннинг юрагини яна тош қилиб қўйди ва фиръавн Исроил халқига кетишга ижозат бермади.

Тўққизинчи фалокат: зулмат

21 Эгамиз Мусога:

— Қўлингни осмонга узат! — деб амр берди. — Мисрни қўрқинчли зулмат қоплайди.

22 Мусо қўлини осмонга узатди. Шундан кейин Миср уч кун давомида зимзиё зулмат ичида қолди, 23 биров бировни кўра олмади. Натижада ҳеч ким бирон жойга юриб бора олмади. Исроил халқи яшаётган ер эса ёруғ эди. 24 Фиръавн яна Мусони чақиртириб, унга:

— Боринглар, Эгангизга сажда қилаверинглар, — деди. — Бола–чақаларингизни олиб кетаверинглар. Аммо мол–қўйларингизни қолдириб кетасизлар.

25 — Бўлмайди! — деди Мусо. — Чорвамизни ҳам олиб кетишимизга ижозат беришинг керак. Биз Эгамиз Худога қурбонликлар ва куйдириладиган қурбонликлар келтирамиз. 26 Ҳамма чорвамизни ўзимиз билан олиб кетамиз, орқада биронта ҳам туёқ қолмаслиги керак. Эгамиз Худога сажда қилганимизда, қурбонликларни шу мол–қўйларимиздан оламиз. У ерга бормагунимизча, Эгамизга нимани қурбонлик қилишимизни билмаймиз–ку!

27 Шундай қилиб, Эгамиз яна фиръавннинг юрагини тош қилиб қўйди. Фиръавн ўжарлик қилиб, Исроил халқига кетишга ижозат бермади. 28 Охири фиръавн Мусога:

— Йўқол бу ердан! — деб бақирди. — Эҳтиёт бўл, бундан кейин зинҳор кўзимга кўринма! Кўзимга кўринган заҳоти ўласан!

29 — Сен айтганингдай бўлсин! — деди Мусо. — Бундан кейин кўзингга кўринмайин!

11–БОБ

Мусо охирги фалокатни фиръавнга аён қилади

1 Эгамиз Мусога айтганди*: “Мен фиръавннинг бошига ҳам, Миср юртига ҳам яна битта фалокат юбораман, ўшандан кейингина бу ердан кетишингизга у сизларга ижозат беради. Бу юртдан ўзи сизларни ҳатто ҳайдаб чиқаради. 2 Энди Исроил халқига айт: ҳамма эркагу аёл Мисрлик қўшнисидан олтин, кумуш тақинчоқлар сўраб олсин.” 3 Эгамиз Мисрликларни шундай қилдики, улар Исроил халқига илтифот кўрсатдилар. Мусони ҳам Миср юртида, фиръавннинг аъёнлари, Миср халқи кўз олдида ғоят улуғ қилган эди.

4 Шунда Мусо фиръавнга деди:

— Эгамиз шундай айтмоқда: “Тун ярмида Миср бўйлаб юраман. 5 Шунда

Мисрдаги ҳамма тўнғич ўғиллар — тахтда ўтирган фиръавннинг тўнғичидан тортиб, қўл тегирмонида ўтириб ишлаётган чўри хотиннинг тўнғич ўғлигача нобуд бўлади. Ҳатто чорванинг биринчи эркак боласигача нобуд бўлади. [6] Бутун Миср бўйлаб қаттиқ фарёд кўтарилади. Бунақа воқеа илгари бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди. [7] Исроил халқи яшаган ерларда эса тинчлик ҳукм суради. Уларга қарашли бирорта одамга ёки бирорта ҳайвонга ҳатто ит ҳам ҳуриб қўймайди. Ўшанда Мен, Эгангиз, Исроил халқини Миср халқидан айирганимни билиб оласизлар.” [8] Ўшанда аъёнларинг ҳаммаси келиб, менга икки букилиб таъзим қилади. Менга: “Сен ҳам, сенга эргашган халқинг ҳам кетинглар”, деб ёлворасизлар. Мен ўшандан кейин кетаман.

Мусо ғазаб билан фиръавннинг ҳузуридан чиқиб кетди.

[9] Эгамиз Мусога шундай деган эди: “Мисрда Менинг ажойиботларим кўпайиши учун фиръавн сизларнинг гапингизга қулоқ солмайди.” [10] Мусо билан Ҳорун фиръавннинг олдида ҳамма ажойиботларни кўрсатиб бўлдилар. Лекин Эгамиз фиръавннинг юрагини тош қилиб қўйди. Фиръавн ўз юртидан Исроил халқининг кетишига ижозат бермади.

12–БОБ

Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрами тўғрисида кўрсатмалар

[1] Мусо билан Ҳорун Мисрда яшар эканлар, Эгамиз уларга қуйидаги кўрсатмаларни берди:

Фисиҳ зиёфати

[2] “Бу ой сизлар учун илк ой — йилнинг биринчи ойи бўлади*. [3] Исроил халқининг бутун жамоасига етказинглар: шу ойнинг ўнинчи кунида оила бошлиқлари битта қўзи ёки улоқча танлайди. Буни хонадондагилар тановул қилади. [4] Битта жонлиқ бир оилага кўплик қиладиган бўлса, оила аъзоларининг сони ва бир одам тановул қиладиган гўшт миқдори ҳисоблаб чиқилади. Сўнгра ўша оила жонлиқ гўштини ёнидаги қўшниси билан бўлишади. [5] Нуқсонсиз, бир яшар эркак жонлиқни танлаб олинглар. [6] Биринчи ойнинг ўн тўртинчи куни кечқурунгача қўзиларни алоҳида сақланглар. Сўнгра Исроил халқи жамоасининг ҳар бир хонадони ўзининг қўзисини сўйиши лозим. [7] Сўнг улар қурбонликнинг қонидан олиб, қурбонлик гўшти тановул қилинадиган уйнинг эшиги кесакиси* ёнларига ва тепасига суртишсин. [8] Ўша куни кечқурун гўштни оловда пиширишсин ва ўша гўштни, хамиртурушсиз нон ҳамда тахир ўтларни тановул қилишсин. [9] Қурбонлик гўштининг сувда қайнатилганини ёки хомини тановул қилишмасин. Калла–поча ва ичак–човоқларини оловда пишириб ейишсин. [10] Гўштдан эрталабгача қолмасин. Агар ортиб қолса, эрталабга қолдирмай оловда куйдиринглар. [11] Гўштни тановул қилаётганингизда, шай туринглар. Чориғингиз оёғингизда, таёғингиз қўлингизда бўлсин, тез–тез енглар. Мен, Эгангизга бағишланган Фисиҳ қурбонлиги шудир.

[12] Ўша тунда Мен Мисрнинг бу бошидан нариги бошигача ўтиб, инсонларнинг ҳар бир тўнғич ўғилларини ҳам, чорванинг биринчи эркак боласини ҳам ўлдираман. Мен, Эгангиз, Мисрнинг ҳамма худоларига қарши ҳукмни ижро этаман. [13] Эшикларингизнинг кесакисига суртилган қон яшаётган уйларингизни белгилайди. Қонни кўриб, сизларни четлаб ўтаман. Мен Мисрни жазолаганимда, ўлат офатидан сизлар омон қоласизлар.

Хамиртурушсиз нон байрами

[14] Бу кунни* сизлар то абад эсда тутишларингиз лозим. Ҳар йили бу кунни

Мен, Эгангизга аталган байрам қилиб нишонланглар. Бу байрам авлодларингиз оша доимий қонун–қоида бўлиб қолсин. 15 Ўша етти кун давомида хамиртурушсиз нон тановул қилинглар. Биринчи куниёқ уйларингиздаги хамиртурушни йўқотинглар. Кимки етти кун давомида хамиртуруш қўшилган нон тановул қилса, у Исроил халқи орасидан йўқ қилинади. 16 Байрамнинг биринчи куни ҳам, еттинчи куни ҳам бутун халқ муқаддас йиғинга келиши лозим. Шу кунлари, овқат тайёрлашдан ташқари, ҳеч қандай иш қилманглар.

17 Хамиртурушсиз нон байрамини ҳар йили нишонлайсизлар, чунки айнан ўша куни Мен сизларнинг оилаларингизни ва қабилаларингизни Мисрдан олиб чиққанман. Бу байрам авлодларингиз оша нишонланиб, доимий қонун–қоида бўлиб қолсин. 18 Биринчи ойнинг* ўн тўртинчи куни кечқурундан бошлаб шу ойнинг йигирма биринчи куни кечқурунгача хамиртурушсиз нон тановул қилинглар. 19 Уйларингизда ўша етти кун давомида асло хамиртуруш бўлмасин. Кимки хамиртуруш қўшилган нон тановул қилса, у асли Исроил наслиданми, мусофирми, барибир, Исроил халқининг жамоасидан йўқ қилинади.
20 Хамиртуруш қўшилган нонни ҳеч тановул қилманглар. Қаерда яшасангизлар ҳам, хамиртурушсиз нон тановул қилинглар.”

Илк Фисиҳ зиёфати

21 Шундан кейин Мусо Исроилнинг ҳамма оқсоқолларини чақиртириб, уларга деди:

— Ҳар бир хонадонга шундай деб айтинглар: “Оилангиз учун биттадан қўзи ёки улоқча танлаб олиб, Фисиҳ зиёфатига қурбонлик қилинглар*. 22 Кейин иссоп ўтидан* бир тутам олиб, идишдаги қурбонлик қонига ботиринглар. Қонни уйларингиз эшиги кесакисининг ёнларига ва тепасига суртинглар. Тонггача бироргангиз уйингиздан чиқманглар. 23 Чунки Эгамиз Миср юрти бўйлаб ўтиб, Мисрликларнинг тўнғич ўғилларини нобуд қилади. У эшикларингизнинг кесакисидаги қонни кўриб, уйларингизни четлаб ўтиб кетади. Азроил уйларингизга кириб, сизларнинг тўнғич ўғилларингизни нобуд қилишига Эгамиз йўл қўймайди. 24 Ўзларингиз ҳам, авлодларингиз ҳам бу расм–русумларга то абад риоя қилишларингиз лозим. 25 Эгамиз сизларга бераман, деб ваъда қилган юртга кирганларингиздан кейин ҳам, бу удумни нишонлайверинглар. 26 Болаларингиз сизлардан:

— Бу удумнинг маъноси нима? — деб сўраганларида, шундай жавоб беринглар:

27 — Бу Эгамизга бағишланган Фисиҳ қурбонлигидир. Эгамиз Мисрликларнинг тўнғич ўғилларини ҳалок қилганда, Мисрдаги Исроил халқининг уйларини четлаб ўтиб кетди. Шундай қилиб, бизнинг хонадонларимизни омон сақлаб қолди.”

Шунда Исроил оқсоқоллари эгилиб, сажда қилди. 28 Сўнгра улар бориб, Эгамизнинг Мусога ва Ҳорунга берган амри бўйича иш тутдилар.

Ўнинчи фалокат: жамики тўнғич эркак зоти нобуд бўлади

29 Эгамиз ярим кечаси Мисрликларнинг жамики тўнғичларини — тахтда ўтирган фиръавннинг тўнғич ўғлидан тортиб, зиндонда ётган асирнинг тўнғич ўғлигача ўлдирди. Ҳамма чорванинг биринчи эркак боласини ҳам нобуд қилди.
30 Ўша кеча фиръавн, унинг ҳамма аъёнлари ва бутун Миср халқи уйғониб кетди. Бутун Мисрни қаттиқ дод–фарёд тутди. Одам нобуд бўлмаган бирорта хонадон йўқ эди. 31 Ўша тундаёқ фиръавн Мусо билан Ҳорунни чақиртириб айтди:

— Ўзларингиз ҳам, Исроил халқингиз ҳам йўқолинглар! Менинг юртимдан

чиқиб кетинглар! Ўзларингиз айтганингиздай, бориб Эгангизга сажда қилаверинглар. 32 Мол–қўйларингизни ҳам олиб кетинглар. Аммо
кетаётганингизда, мени дуо қилинглар.
33 “Исроил халқи юртимиздан тезроқ чиқиб кетсин, агар чиқиб кетмаса,
ҳаммамиз ўлиб кетамиз”, деб Мисрликлар уларни қистовга олдилар. 34 Шундай
қилиб, Исроил халқи кийим–кечакларига ўралган хамиртуруш қўшилмаган хамир
тўла тоғораларини олиб, елкаларига ортишди. 35 Исроил халқи Мусонинг
айтганини қилиб, Мисрликлардан олтин ва кумуш тақинчоқлар, кийим–кечаклар
сўраб олишди. 36 Эгамиз Мисрликларни шундай қилдики, улар Исроил халқига
илтифот кўрсатдилар. Исроил халқи нима сўраса, улар бердилар. Шу йўл билан
Исроил халқи, ғолиб лашкардай, Мисрликларнинг бойликларини олиб кетди.

Исроил халқи Мисрдан чиқиб кетади

37 Исроил халқи Рамзесдан Сухотга* қараб яёв йўлга чиқди. Улар 600.000 тача
эркак бўлиб, аёллар ва болалар бу ҳисобга кирмасди. 38 Сон–саноқсиз бегона
халқлар, кўплаб мол–қўйлар ҳам улар билан бирга кетди. 39 Исроил халқи
Мисрдан олиб чиққан хамиртурушсиз хамирдан патир нон ёпдилар. Улар
Мисрдан шунчалик тез чиқиб кетдиларки, йўлга егулик тайёрлагани вақт
тополмагандилар.
40 Исроил халқи Мисрда 430 йил яшади. 41 430 йилнинг охирги кунида
Эгамизнинг халқига қарашли бўлган ҳамма қабилалар Мисрдан чиқиб кетишди.
42 Ўша куни кечаси Эгамиз халқига посбонлик қилиб, уларни Мисрдан олиб
чиққан эди. Шу сабабдан Исроил халқи ҳам авлодлар оша, ҳар йили ўша тунни
Эгамизга бағишлаб, байрам қилишлари керак.

Фисиҳ зиёфати тўғрисида қонун–қоидалар

43 Кейин Эгамиз Мусо билан Ҳорунга айтди: “Сизлар риоя қилишингиз лозим
бўлган Фисиҳ зиёфатининг қонун–қоидалари қуйидагичадир:

Исроил халқига қондош бўлмаган одам Фисиҳ таомидан тановул қилмайди.
44 Лекин сотиб олган қулларингиз суннат қилингандан кейин Фисиҳ таомидан
тановул қилса бўлади. 45 Мусофирлар ва мардикорлар ҳам бу таомдан тановул
қилишмайди.
46 Таомлар қайси уйда тайёрланган бўлса, ҳаммаси ўша уйда тановул
қилиниши лозим. Ташқарига таом олиб чиқилмайди. Фисиҳ зиёфатига атаб
қурбонлик қилинган бирорта ҳам ҳайвоннинг суяги синдирилмайди.
47 Исроил халқининг бутун жамоаси Фисиҳ зиёфатини нишонлайди.
48 Ёнларингиздаги бирор мусофир Мен, Эгангизга бағишланган Фисиҳ зиёфатини
нишонламоқчи бўлса, олдин унинг хонадонидаги ҳамма эркаклар суннат
қилиниши лозим. Шундан кейингина Исроил халқига мансуб бўлган одамдай,
Исроил жамоасига қўшилиб, Фисиҳ зиёфатини нишонлайди. Суннат
қилинмаганларнинг ҳеч қайсиси Фисиҳ таомидан тановул қилиши мумкин эмас.
49 Шу ернинг туб аҳолиси учун ҳам, ораларингизда яшаётган мусофир учун ҳам
қонун ўшадир.”

50 Эгамизнинг Мусо ва Ҳорун орқали берган қонун–қоидаларини Исроил халқи
бажардилар. 51 Шундай қилиб, ўша куниёқ Эгамиз Исроил оилаларини ва
қабилаларини Мисрдан олиб чиқди.

13–БОБ

Тўнғич эркакларни бағишлаш тўғрисидаги амр

1 Эгамиз Мусога яна гапирди:
2 — Ҳамма тўнғичларни Менга бағишланглар. Исроил халқининг ҳамма тўнғич
ўғиллари ва ҳайвонларининг биринчи эркак боласи Меникидир.

Хамиртурушсиз нон байрами тўғрисида кўрсатмалар

3-4 Шундан сўнг Мусо халққа деди: “Бугун Абиб ойида* сизлар Миср юртидан
чиқиб кетяпсизлар. Хамиртуруш қўшилган нонни еманглар. Бу кунни асло
эсларингиздан чиқарманглар. Зеро, Эгамиз Ўз қудрати билан сизларни Мисрдаги
қулликдан олиб чиқди. 5 У сизларни Канъон, Хет, Амор, Хив ва Ёбус халқларининг
ерларига олиб боради. Эгамиз бу ерларни ота–боболарингизга, бераман, деб онт
ичган. У сизларни сут ва асал оқиб ётган ўша юртга* олиб боргандан кейин, Абиб
ойида қуйидагича удумни ўтказинглар: 6 етти кун хамиртурушсиз нон енглар.
Еттинчи куни Эгамизга атаб байрам қилинглар. 7 Шу пайтларда уйингизда ёки
юртингизнинг бирон жойида хамиртурушли нон ёки хамиртуруш бўлмасин. 8 Ҳар
йили байрам кунлари давомида нима учун байрамни нишонлаётганингизни
болаларингизга тушунтиришингиз лозим. Уларга:
— Мисрдан чиқаётганимизда, Эгамиз бизга кўрсатган чексиз мурувватi учун
байрамни нишонлаяпмиз, — деб айтинг. 9 Бу байрам гўё қўлингиздаги ёки
пешанангиздаги бир белгидай бўлади. Эгамиз сизларни Мисрдан Ўз қудрати
билан олиб чиққанини бу байрам эслатиб туради. Эгамизнинг таълимотини
болаларингизга ўргатишингиз учун байрамни нишонланглар. 10 Сизлар
белгиланган вақтда йиллар оша ушбу қонун–қоидага риоя қилиб боринглар.

Тўнғич эркакларни Эгамизга бағишлаш тўғрисида кўрсатмалар

11 Эгамиз ўзларингизга ва ота–боболарингизга онт ичиб ваъда берган Канъон
халқларининг юртига сизларни олиб келади. Ўша юртни сизларга беради.
Шундан кейин 12 тўнғич ўғилларингизни, ҳамма чорвангизнинг биринчи эркак
боласини Унга беринглар. Буларнинг ҳаммаси Эгамизникидир. 13 Эшакнинг*
туғилган биринчи эркак боласини ҳам Эгамиздан бир қўзи ёки улоқчани аташ
эвазига сотиб олинглар. Агар эшакни қайтариб сотиб олмасликка қарор
қилсангиз, эшакнинг бўйнини синдириб ўлдиришингиз керак. Сизлар Эгамиздан
ҳамма тўнғич ўғилларни ҳам қайтариб сотиб олишингиз лозим*. 14 Келажакда
фарзандларингиз сиздан:
— Бу удумнинг маъноси нима? — деб сўрашганда шундай жавоб беринглар:
— Эгамиз бизни Мисрдаги қулликдан қудратли қўли билан олиб чиққан.
15 Фиръавн ўжарлик қилиб, кетишимиз учун бизга ижозат бермаганда, Эгамиз
Миср юртидаги ҳамма тўнғичларни — одамларнинг тўнғичидан тортиб,
ҳайвонларнинг биринчи эркак боласигача ўлдирган. Мана шунинг учун ҳам
ҳайвонларнинг биринчи эркак боласини Эгамизга қурбонлик қиламиз. Тўнғич
ўғилларимизни эса қайтариб сотиб оламиз.
16 Бу байрам қўлингиздаги ёки пешанангиздаги бир белгидай бўлиб қолади.
Эгамиз бизни қудратли қўли билан Мисрдан олиб чиққанини шу байрам сизларга
эслатиб туради.”

Устун шаклидаги булут ва аланга

17 Халқ урушга дуч келиб қолса, Мисрга қайтиб кетмасин, деб ўйлади Худо.
Шунинг учун фиръавн Исроил халқига ижозат бергандан кейин, Филист
халқининг юрти орқали ўтадиган йўл* тўғри Канъонга олиб борса ҳам, Худо

халқни бу йўлдан бошлаб кетмади. 18 Худо халқни Қизил денгизга* саҳро бўйлаб
айланма йўл орқали олиб кетди.
Исроил халқи Мисрдан чиққанда, гуруҳларга бўлинган ҳолда йўлга тушди.
19 Мусо Юсуфнинг суякларини ўзи билан олди. Юсуф Исроил уруғларига қасам
ичдириб: “Худо сизларни қутқаргани албатта келади, ўшанда менинг
суякларимни бу ердан олиб кетинглар”, деган эди*.
20 Исроил халқи Сухотдан чиққандан кейин, саҳро этагидаги Этхамда қароргоҳ
қурди. 21 Эгамиз кундузи устун шаклидаги булут ичида, кечаси устун шаклидаги
аланга ичида уларнинг олдида юриб, йўлларини ёритиб йўл кўрсатиб борди. Шу
тариқа Исроил халқи ҳамма вақт — кундузи ҳам, кечаси ҳам йўл юра олди.
22 Кундузи булут устуни, кечаси аланга устуни халқнинг олдидан бир дам нари
кетмади.

14–БОБ

Эгамиз Қизил денгизда Исроил халқини қутқаради

1 Эгамиз Этхамда Мусога шундай деди:
2 — Исроил халқига: “Мигдол билан денгиз ўртасидаги Пий–Хахирўт яқинига
қайтиб боринглар”, деб айт. У ерда Баал–Зафўн қаршисидаги Қизил денгиз*
соҳили бўйлаб чодир тикишсин. 3 Ўшанда фиръавн: “Исроил халқи юртда адашиб
қолибди, саҳро уларнинг кетишига халақит беряпти”, деб ўйлайди. 4 Фиръавн
сизларни таъқиб қилсин деб, Мен унинг юрагини тош қилиб қўяман. Фиръавн ва
унинг лашкари устидан ғалаба қиламан. Шу орқали шуҳратга эришаман. Ана
ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни Миср халқи билиб олади.
Исроил халқи Эгамиз айтгандай қилди. 5 Фиръавнга: “Исроил халқи қочиб
кетибди”, деб хабар етказишди. Фиръавн ва аъёнларининг Исроил халқи
тўғрисидаги ниятлари ўзгарди: “Нима қилиб қўйдик–а? Исроил халқига кетишга
ижозат бериб, қулларимиздан айрилиб қолибмиз–ку!” дейишди. 6 Фиръавн жанг
араваларини тайёрлатди, лашкарини ёнига олди. 7 У Мисрдаги ҳамма жанг
аравасини, шу билан бирга, олти юзта сара жанг аравасини ҳам йўлга отлантирди.
Ҳар бир жанг аравасининг лашкарбоши бор эди. 8 Эгамиз Миср фиръавнининг
юрагини тош қилиб қўйди. Фиръавн Исроил халқининг ортидан қувди. Исроил
халқи шахдам қадам билан Мисрдан чиқиб кетаётган эди. 9 Мисрликлар —
фиръавннинг жамики лашкари, отлари, аравакашлар ва жанг аравалари билан
Исроил халқининг ортидан тушди. Денгиз қирғоғида Баал–Зафўн қаршисида —
Пий–Хахирўт яқинида Исроил халқига етиб олдилар. Исроил халқи бу ерда
қароргоҳ қурган эди.
10 Фиръавн тобора яқинлашиб келарди. Исроил халқи орқаларига қараб
Мисрликлар қувиб келаётганини кўрдилар–у, саросимага тушиб қолдилар. Улар
Эгамизга илтижо қилиб, мадад сўрадилар. 11 Кейин Мусога айтдилар:
— Бизни саҳрога ўлдиргани олиб келган экансан–да. Мисрда биз учун
қабристон етарли эмасмиди?! Бизни Мисрдан олиб чиқиб, нима қилиб
қўйдинг–а?! 12 Мисрда эканлигимизда шунга ўхшаш ёмон ҳодисалар юз беришини
айтмаганмидик?! Биз: “Мисрликларга қул бўлиб хизмат қилиб юраверайлик,
саҳрода ўлиб кетганимиздан кўра, уларга хизмат қилганимиз яхши”, деб айтган
эдик–ку!
13 Аммо Мусо:
— Қўрқманглар! — деди. — Жойингизда тўхтаб, қараб туринглар. Ҳозир
кўрасизлар, Эгамиз сизларни қандай қилиб қутқарар экан. Ҳозир қаршингизда

турган Мисрликларни қайтиб кўрмайсизлар. 14 Хотиржам бўлинглар, Эгамиз
сизлар учун жанг қилади.
15 Шу пайт Эгамиз Мусога гапирди:
— Нимага Менга илтижо қилиб, мадад сўраяпсан? Исроил халқига айт,
олдинга қараб кетаверсин. 16 Таёғингни кўтариб, қўлингни денгиз устига узат,
сувни икки томонга айир. Шунда Исроил халқи қуруқ ер устида юриб, денгиздан
ўтади. 17-18 Мисрликлар сизларнинг ортингиздан денгизга борсин деб, Мен
уларнинг юрагини тош қилиб қўяман. Фиръавн, унинг лашкари, аравакашлари ва
жанг аравалари устидан ғалаба қилиб шуҳратга эришаман. Мен уларни ер билан
яксон қилганимда Эгангиз Мен эканлигимни Миср халқи билиб олади.
19 Исроил халқи олдида бораётган Худонинг фариштаси жойини ўзгартириб,
уларнинг орқасига ўтди. Исроил халқининг олдидаги булут устуни ҳам жойини
ўзгартирди. Булут устуни орқага ўтиб, 20 Миср лашкари билан Исроил халқи
ўртасида туриб қолди. Булут устуни Мисрликлар турган томонни зимистон ва
булутли, Исроил халқи турган томонни эса ёп–ёруғ қилиб турди. Шунинг учун
Миср лашкари тун бўйи Исроил халқига яқин кела олмади.
21 Мусо қўлини денгиз томонга узатди. Шундан кейин тун бўйи Эгамиз
шарқдан кучли шамол эстириб, денгизни икки томонга айирди, денгизни қуруқ
ерга айлантирди. Сув икки томонга сурилди. 22 Шундан кейин Исроил халқи
денгиздаги қуруқ ердан юриб, ўта бошлади. Сув Исроил халқининг ўнг томонида
ҳам, чап томонида ҳам девор бўлиб турарди. 23 Мисрликлар Исроил халқининг
ортидан қувди. Фиръавннинг ҳамма отлари, аравакашлари ва жанг аравалари
денгизнинг ўртасига тушди. 24 Тонг пайти Эгамиз аланга ва булут устунидан
Миср лашкарига қараб, уларни саросимага солди. 25 Жанг араваларининг
ғилдираклари ботиб қолди*. Натижада Мисрликлар араваларини зўрға тортиб
кетдилар. Шунда Мисрликлар: “Бу ердан қочиб қолайлик! Исроил халқи учун
уларнинг Эгаси жанг қиляпти! У бизга қарши!” деб шовқин солдилар.
26 Кейин Эгамиз Мусога:
— Қўлингни денгизга узат! — деб амр берди. — Сув Мисрликларнинг,
уларнинг аравакашлари ва жанг аравалари устига қайтсин!
27 Мусо қўлини денгизга узатди. Тонг пайти денгиз суви асл ҳолига қайтди.
Мисрликлар сувдан қутулмоқчи бўлиб қочаётган эди, Эгамиз уларни денгизнинг
ўртасига силкиб отди. 28 Сув асл ҳолига қайтди. Фиръавннинг аравакашларини ва
жанг араваларини, Исроил халқини ортидан қувиб, денгиз ўртасига тушган ҳамма
Миср лашкарини ғарқ қилди. Улардан бирортаси ҳам тирик қолмади. 29 Исроил
халқи эса денгиз ўртасида қуруқ ердан юриб ўтди. Сув ўнг томонда ҳам, чап
томонда ҳам Исроил халқига девор бўлиб турарди.
30 Шундай қилиб, Эгамиз ўша куни Исроил халқини Мисрликларнинг қўлидан
қутқарди. Исроил халқи денгиз қирғоғида Мисрликларнинг жасадларини кўрди.
31 Эгамиз буюк қудрати билан Мисрликларни мағлуб қилганини Исроил халқи
кўргач, Ундан қўрқадиган бўлдилар. Улар Эгамизга ва Унинг қули Мусога
ишондилар.

15–БОБ

Мусо ва Марямнинг ғалаба қўшиғи

1 Шундан кейин Мусо ва Исроил халқи Эгамизга қуйидаги қўшиқни куйлади:

“Эгамизни мадҳ этиб куйлайман. У буюк ғалаба келтирди.

Отларни, аравакашларни денгизга улоқтирди.
2 Эгамиз менинг куч–қудратимдир*.
У менинг қутқарувчимдир.
У менинг Худойимдир, мен Уни олқишлайман,
Отамнинг Худосидир, мен Уни улуғлайман.
3 Ҳа, У жангчидир, У Эгамиздир*.
4 Фиръавннинг лашкарини, жанг араваларини Эгамиз денгизга улоқтирди.
Унинг сара лашкарбошиларини Қизил денгизга* чўктирди.
5 Денгиз қаъри уларни кўмди.
Улар тош сингари тубсизликка тушиб кетдилар.

6 Эй Эгамиз, Сенинг қудратинг азимдир.
Эй Эгамиз, Сенинг ўнг қўлинг душманни роса эзди.
7 Сен буюк ғалаба қозондинг.
Душманларингни йиқитиб,
Уларга ғазабингни сочган эдинг,
Ғазабинг уларни хас–чўп сингари ёндириб ташлади.
8 Қаҳрли нафасингдан сув бир жойга йиғилиб,
Девор каби тик туриб қолди,
Денгизнинг қаъри қаттиқ ер бўлиб қолди.
9 Шунда душман гердайиб айтди:
«Орқаларидан тушаман, қувиб етаман.
Ўлжани баҳам кўраман. Булардан кўнглим қониқади.
Қиличимни яланғочлаб, уларни яна қул қиламан.»
10 Қаҳрли нафасингдан денгиз уларни кўмиб юборди.
Улар баҳайбат сувда қўрғошиндай ғарқ бўлдилар.

11 Худолар орасида Сенга ўхшагани борми, эй Эгамиз?!
Ким Сенга ўхшар?!
Муқаддаслигинг билан улуғворсан Сен,
Қўрқинчли ишларинг билан ҳамду санога илҳомлантирасан,
Сен ажойиботлар кўрсатасан.
12 Сен ўнг қўлингни узатган эдинг,
Ғанимларни ер ютди.

13 Ўзинг қутқарган ўша халқни Сен содиқ севгинг билан олиб борасан.
Муқаддас маконингга* қудратинг билан уларни етаклаб борасан.
14 Халқлар эшитиб буни, титрашади:
Филист халқи ваҳимага тушиб қолади.
15 Эдом уруғбошилари қўрқувга тушади–ку,
Мўаб бекларини титроқ босади–ку!
Канъондаги халқлар умидсизликка тушади–ку!
16 Уларни қўрқув ва даҳшат қамраб олар.
Эй Эгамиз, Сенинг халқинг ўтиб кетгунча,
Ўзинг эга бўлган бу халқ ўтиб кетгунча,
Улар билагинг кучи олдида тошдай қотиб қолади.
17 Халқингни Ўз тоғингга олиб келасан,
Уларни жойлаштирасан уйинг учун танлаган ерга, эй Эгамиз!
Қўлларинг ўрнатган муқаддас масканингга*
Олиб кириб жойлаштирасан, эй Раббий!

18 Эгамиз абадулабад шоҳ бўлиб ҳукмронлик қилади.”

19 Фиръавннинг отлари, аравакашлари ва жанг аравалари денгиз ўртасига
тушди. Шунда Эгамиз уларнинг устига денгиз сувларини қайтариб олиб келди.
Исроил халқи эса денгиз ўртасидаги қуруқ ердан ўтиб кетди. Шу боис Мусо ва
халқ қўшиқ куйлади.
20 Ҳоруннинг опаси Марям пайғамбар чилдирмани қўлига олди. Ҳамма аёллар
унга эргашиб, чилдирмаларини қўлларига олиб, ўйнадилар. 21 Марям қуйидаги
нақоратни куйлаб, уларга бошчилик қилди:

“Эгамизни мадҳ этиб куйланг. У буюк ғалаба келтирди.
Отларни, аравакашларни денгизга улоқтирди.”

Тахир сув

22 Мусо Исроил халқини Қизил денгиздан бошлаб чиққандан кейин, улар Шур
саҳросига бордилар. Улар саҳрода уч кун юрсалар ҳам, сув топа олмадилар.
23 Ундан кейин Марога бордилар. Аммо Маронинг суви тахир бўлгани учун
ичолмадилар. Шунинг учун ҳам у ерга Маро* деб ном берилган эди. 24 Халқ эса:
“Энди нима ичамиз?” деб Мусога минғирлаб нолиди. 25 Мусо эса Эгамизга илтижо
қилган эди, Эгамиз Мусога бир чўпни кўрсатди. Мусо чўпни олиб сувга ташлаган
эди, сув ичишга яроқли бўлиб қолди. Шундай қилиб, ўша ерда Эгамиз Исроил
халқини синади. Эгамиз уларга яшаш қонун–қоидасини берди. 26 У Исроил
халқига шундай деди: “Агар Мен, Эгангиз Худога ҳушёр бўлиб қулоқ солсангиз,
Менинг олдимда тўғри ишлар қилсангиз, амрларимга итоат этсангиз, ҳамма
қонунларимга риоя қилсангиз, ўшанда Мен Мисрликларни дучор қилган
хасталикларнинг бирортасига ҳам сизларни дучор қилмайман. Сизларга шифо
берадиган Эгангиз Менман.”
27 Шундан сўнг Исроил халқи Илим деган жойга келди. У ерда ўн иккита булоқ,
етмишта пальма дарахти бор эди. Улар булоқ бўйида қароргоҳ қурдилар.

16–БОБ

Манна ва беданалар

1 Исроил халқининг бутун жамоаси Илимдан чиқиб жўнади. Улар Мисрдан
чиққанларидан кейин бир ой ўтгач*, Илим билан Синай тоғи оралиғидаги Син
саҳросига* етиб келдилар. 2 Улар саҳрода турар эканлар, ҳаммалари минғирлаб
Мусо билан Ҳорундан нолишди: 3 “Қанийди Эгамиз бизни Мисрда ўлдириб қўя
қолганда эди! Биз Мисрда гўшт солинган қозон бошида ўтирардик, тўйгунимизча
нон ердик. Сизлар эса, бутун жамоа очликдан ўлиб кетсин деб, бизни саҳрога
олиб келдингиз.”
4 Шунда Эгамиз Мусога:
— Нонни* сизларга осмондан ёғдираман! — деди. — Халқ ҳар куни чиқиб,
кунда керак бўладиган нонини йиғиштириб олади. Шу йўл билан бу халқни
синайман. Улар Менинг кўрсатмаларимга риоя қиладиларми, ёки йўқми, кўраман.
5 Ҳар ҳафтанинг олтинчи куни* эса кунда тўплаганларига қараганда икки ҳисса
кўп нон йиғиштириб олиб, тайёрлаб қўядилар.
6-8 Мусо билан Ҳорун жамики Исроил халқига шундай деб айтдилар:
— Сизлар минғирлаб Эгамиздан нолиган эдингиз, У эшитди. Энди У кечқурун
сизларга гўшт беради. Эртага эрталаб мўл қилиб нон беради. Эгамизнинг буюк
қудратини шунда кўрасизлар. Сизларни Мисрдан олиб чиққан Эгамиз эканини

билиб оласизлар. Аммо биз ким бўлибмизки, минғирлаб биздан нолийсизлар?! Биз бор–йўғи Эгамизнинг хабарчиларимиз, холос. Биздан нолиганларингизда, сизлар аслида биздан эмас, Эгамиздан нолиган бўласизлар.

9 Шундан сўнг Мусо Ҳорунга деди:

— Исроил халқининг бутун жамоасига айт. Эгамизнинг ҳузурига келсин. Эгамиз уларнинг минғирлаб нолиганини эшитди.

10 Ҳорун Исроил халқининг бутун жамоасига шу гапларни айтиб бўлиши биланоқ, халқ саҳрога қаради. Шу пайт Эгамиз улуғворлигини булут ичида зоҳир қилди. 11 Кейин Эгамиз Мусога гапирди:

12 — Мен Исроил халқининг минғирлаб нолиганини эшитдим. Уларга шу гапларни етказ: “Оқшом гўшт ейсизлар, эрталаб эса тўйгунингизча нон ейсизлар. Ўшанда Эгангиз Худо Мен эканлигимни билиб оласизлар.”

13 Шу куни оқшомда беданалар учиб келиб, қароргоҳни босиб кетди. Эртасига эрталаб қароргоҳ атрофига шудринг тушди. 14 Шудринг кўтарилгач, ер юзи лайлак қор учқунига ўхшаш, қировсимон бир нарса билан қопланди. 15 Исроил халқи бу нарсани кўрганда, нима эканини билолмасдан: “Бу нима?” деб бир–бирларидан сўрайвердилар.

— Тановул қилишларингиз учун Эгамиз сизларга берган нон шудир, — деди Мусо Исроил халқига. 16 — Эгамиз шундай амр берган: “Ҳар бир хонадон ўзи ейдиган нонни олсин. Хонадондаги ҳар бир жон учун бир омирдан* йиғиб олсин.”

17 Исроил халқи Эгамиз амр этгандай қилди. Биров кўпроқ, биров озроқ йиғиб олди. 18 Ҳар бир одам учун омир билан ўлчаганларида, кўп йиғиб олганлардан ҳеч нарса ортиб қолмади, оз йиғиб олганлар учун эса етарли бўлди. Ҳар бир хонадон кераклисини олди. 19 Мусо яна халққа: “Ҳеч ким бу маннадан эрталабгача қолдирмасин”, — деди. 20 Аммо баъзилар Мусонинг гапига қулоқ солмай, эрталабгача қолдирган эдилар, қолдирган маннага қурт тушиб, сасий бошлади. Шунда Мусо ўша одамлардан ғазабланди.

21 Маннани ҳар бир хонадон ҳар куни эрталаб эҳтиёжига ярашасини тўплаб оларди. Қуёш ерни қиздиргандан кейин эса, ерда қолгани эриб кетарди.
22 Олтинчи куни эса маннани икки ҳисса — жон боши учун икки омирдан йиғиб олдилар. Жамоа оқсоқоллари бу тўғрида Мусога хабар берганларида, 23 Мусо уларга айтди*:

— Эртага Шаббат куни бўлгани учун олтинчи куни икки баробар кўпроқ манна олиш ҳақида Эгамиз халққа амр берган. Шаббат куни иш қилмай дам олинглар, бу кун Эгамизга ажратилган кундир. Шунинг учун ёпадиганингизни бугун ёпиб олинглар, қайнатадиганингизни бугун қайнатиб олинглар. Ортганини сақлаб, эртанги кунга қолдиринглар.

24 Шундай қилиб, Мусо буюргандай, ортганини эртасига қолдирган эдилар, қолгани на сасиди, на қуртлади.

25 — Бугунги маннангиз шудир, — деди Мусо. — Чунки бугун Эгамизга аталган Шаббат кунидир. Бугун ерда ҳеч нарса бўлмайди. 26 Олти кун манна йиғиштириб оласизлар. Аммо еттинчи кун — Шаббат куни асло манна топиб бўлмайди.

27 Еттинчи куни ҳам баъзилар манна йиғиштиргани ташқарига чиқдилар, лекин тополмадилар. 28 Шунда Эгамиз Мусога:

— Қачонгача Менинг амрларимга ва кўрсатмаларимга итоат этмай юрасизлар?! — деди. 29 — Мен, Эгангиз, еттинчи кунни — Шаббатни дам олиш куни қилиб, сизларга берганимни англаб етмайсизларми?! Мана, сизларга икки кунга етарли маннани олтинчи куни беряпман. Еттинчи куни ҳар ким уйида бўлиб, дам олиши лозим.

30 Шундай қилиб, халқ еттинчи куни ишламади.

Исроил халқи маннадан хотира учун сақлаб қўяди

31 Исроил халқи бу егуликка манна* деб ном қўйдилар. У кашнич уруғига
ўхшарди, ранги эса оқиш, мазаси асал қўшилган чалпакни эслатарди. Мусо
Исроил халқига айтди:
32 — Эгамиз шундай амр берган: “Бир омир маннани келгуси авлодлар учун
сақлаб қўйинглар, токи Мен сизларни Мисрдан олиб чиққанимдан кейин саҳрода
ўзларингизга едирган нонни улар кўрсинлар.”
Шундан кейин Мусо Ҳорунга айтди:
33 — Бир идиш олиб, ичига бир омир манна солгин–да, Эгамизнинг ҳузурига
қўй*, токи келгуси авлодларга сақланиб қолсин.
34 Эгамиз Мусога амр этгандай, Ҳорун, маннани сақлаб қўямиз деб, уни Аҳд
сандиғининг* олдига қўйди.
35 Исроил халқи кейинги қирқ йил давомида, Канъон юртига етиб бориб
ўрнашгунларича, манна тановул қилдилар*.

36 (Маннани ўлчаш учун фойдаланилган идиш омир деб айтилган. Бу идиш
тахминан тўрт косанинг* ҳажмига тўғри келган.)

17–БОБ

Қоядан чиққан сув

1 Исроил халқининг бутун жамоаси ҳар доим Эгамизнинг амрига риоя қилиб,
бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриб*, Син саҳросидан* кетди. Исроил халқи
Рафидимда* қароргоҳ қурган эди, лекин у ерда ичгани сув йўқ экан. 2 Улар Мусога
таъна қила бошладилар. “Бизга ичгани сув бер”, деб ундан талаб қилдилар.
Шунда Мусо:
— Нимага менга таъна қиляпсизлар?! — деди. — Нима учун Эгамизни
синаяпсизлар?!
3 Лекин халқ чанқаган эди. “Нимага бизни Мисрдан олиб чиқдинг?! Ўзимизни,
болаларимизни, чорвамизни сувсизликдан ўлдириш учун олиб чиққан
экансан–да?!” деб Мусони айбладилар.
4 — Бу халқни нима қилай? — деб илтижо қилди Мусо Эгамизга. — Яна бир
оздан кейин улар мени тошбўрон қилишади–ку!
5 — Исроил оқсоқолларидан баъзиларини ёнингга олиб, халқнинг олдида бор!
— деб амр берди Эгамиз Мусога. — Нил дарёсига урган таёғингни ҳам ўзинг
билан ол. 6 Мен сенинг олдингда — Синай тоғидаги* қоянинг тепасида тураман.
Сен таёқни қояга ур, қоядан сув отилиб чиқади. Кейин халқ ичади.
Мусо Исроил оқсоқолларининг кўзи олдида Эгамиз айтгандай қилди. 7 Шундай
қилиб, Мусо ўша жойга Массах ва Марива* деб ном берди. Исроил халқи у ерда
Мусо билан жанжал қилган, “Эгамиз биз учун ғамхўрлик қиладими, йўқми?” деб
Худони синаган эди.

Исроил халқи Омолек халқини енгади

8 Омолек халқи Рафидимга келиб, Исроил халқига уруш очдилар. 9 Шунда Мусо
Ёшуага:
— Одамлардан танлаб олгин–да, бориб, Омолекларга қарши урушга чиқ! —
деди. — Эртага мен тепаликнинг устида бўламан. Худо, ол, деб тайинлаган таёқ*
қўлимда бўлади.
10 Ёшуа Мусо буюргандай қилиб Омолеклар билан жанг қилгани борди. Мусо,

Ҳорун ва Хур тепаликнинг устига чиқишди. 11 Мусо қўлларини кўтарганда,
Исроил халқи ғолиб келар, туширганда эса Омолеклар ғолиб келарди. 12 Охири
Мусонинг қўллари толиқди. Шунда Ҳорун билан Хур Мусога тош келтириб қўйиб
бердилар. Мусо тош устига ўтирди. Кейин Мусонинг қўлларини бир томондан
Ҳорун, бир томондан Хур юқорига кўтариб турди. Қуёш ботгунча, Мусонинг
қўлларини юқорига кўтариб туравердилар. 13 Шундай қилиб, Ёшуа Омолекларни
енгиб, қиличдан ўтказди.

14 Шундан кейин Эгамиз Мусога айтди:

— Бу ғалабани хотира қилиб, ёзиб қўй, Менинг қуйидаги ваъдамни ҳам кирит:
“Мен Омолекларнинг номини ер юзидан ўчираман.” Кейин буни овоз чиқариб
Ёшуага ўқиб бер.

15 Мусо бир қурбонгоҳ қурдириб, бу қурбонгоҳга: “Эгам байроғимдир”* деб ном
берди. 16 “Омолеклар Эгамизнинг тахтига қарши қўлларини кўтаришга журъат
қилганлари учун, Эгамиз доимо уларга қарши уруш қилади”*, деди.

18–БОБ

Ятро Мусони зиёрат қилади

1 Мидиён юртининг руҳонийси Ятро Мусонинг қайнатаси эди. Худо Мусога ва
Ўз халқи Исроилга ҳамма қилганларини, Эгамиз Исроил халқини Мисрдан қандай
қилиб олиб чиққанини у эшитди. 2 Мусо хотинини отаси ёнига жўнатиб
юборганда*, Ятро Мусонинг хотини Зиппура билан 3 иккала ўғлини ёнига олган
эди. Мусо: “Мен бегона юртда мусофир бўлиб қолдим”, деб тўнғич ўғлига Гершом*
деб исм қўйган эди. 4 Сўнгра: “Ота–боболаримнинг Худоси менга мадад берди,
мени фиръавннинг қиличидан қутқарди*”, деб иккинчи ўғлига Элиазар* деб исм
қўйганди.

5 Қайнатаси Мусонинг хотини ва ўғилларини Худонинг муқаддас тоғи* этагига
— саҳрода Мусо тиккан чодирга бошлаб келди. 6 Ятро Мусога: “Мен, қайнатанг
Ятро, хотининг ва иккала ўғлинг билан бирга сенинг ёнингга боряпмиз”, деб
хабар берди. 7 Мусо қайнатасини кутиб олгани чиқди ва унга таъзим қилиб, ўпди.
Икковлари бир–биридан ҳол–аҳвол сўраб, чодирга киришди. 8 Эгамиз Исроил
халқи учун фиръавнни ва Миср халқини нималар қилганини, Исроил халқи йўлда
чеккан азоб–уқубатларни, Эгамиз уларни қандай қутқарганини Мусо қайнатасига
айтиб берди. 9 Эгамиз Исроил халқига қилган яхшиликлари учун, уларни
Мисрликларнинг қўлидан қутқаргани учун Ятро севиниб, шундай деди:

10 — Сизларни Мисрликларнинг ва фиръавннинг қўлидан қутқарган Эгамизга
ҳамду санолар бўлсин! Исроил халқини Мисрликларнинг зулмидан У қутқарди.
11 Эгамиз бошқа ҳамма худолардан улуғ эканини энди биламан. Эгамиз Ўз
халқини такаббур Мисрликларнинг қўлидан халос қилди.

12 Сўнгра Мусонинг қайнатаси Ятро Худога куйдириладиган қурбонлик ва
бошқа қурбонликлар келтирди. Ҳорун ва барча Исроил оқсоқоллари Мусонинг
қайнатаси билан Худонинг ҳузурида муқаддас таом егани келишди.

Ятронинг маслаҳати

13 Эртаси куни Мусо ҳукм курсисига ўтириб, халқнинг жанжалларини ажрим
қила бошлади. Халқ Мусонинг атрофида эрталабдан кечгача тик турди.
14 Қайнатаси Мусонинг халқ учун қилаётган ҳамма ишларини кўргач, айтди:

— Нимага шунча ишни бир ўзинг қиляпсан? Одамлар сендан ёрдам сўраш учун
кун бўйи тик туришди.

15 Шунда Мусо қайнатасига айтди:

— Одамлар Худонинг ҳукмини билиш учун менинг олдимга келишади.
16 Қачон бир жанжалли иш бўлса ҳам менинг олдимга келишади. Мен эса иккала
томон ўртасида қарор чиқариб, Худонинг қонун–қоидаларини уларга айтаман.
17 — Бу йўл яхши эмас, — деди қайнатаси Мусога. 18 — Ҳам ўзингни, ҳам
ёнингдаги халқни қийнаяпсан. Бу иш жуда оғир юк, бир ўзинг бажара олмайсан.
19 Гапимга қулоқ сол, сенга бир маслаҳат берайин: Худо сенга ёр бўлсин. Худонинг
ҳузурида халқ учун сен воситачи бўлишинг керак. Халқнинг
баҳс–мунозараларини Худога сен етказишинг лозим. 20 Худонинг қарорини
халққа сен айт, Худонинг қонун–қоидаларини ўргат, улар қандай қилиб тўғри
ҳаёт кечиришлари кераклигини кўрсат. 21 Аммо буларга қўшимча қилиб, сен
Худодан қўрққан, диёнатли, тамадан нафратланадиган, лаёқатли одамларни
танлаб ол. Уларни халқ тепасига мингбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши қилиб
тайинла. 22 Бу одамлар ҳамма ҳақ масалалар устидан қарор қилиб, халққа хизмат
қилишсин. Жуда муҳим ёки жуда қийин масалаларни эса сенга олиб келишлари
мумкин. Кичикроқ ишларни ўзлари кўриб чиқаверсин. Улар сен учун ишни
осонроқ қилиб, оғирликни кўтаришда сенга ёрдам берадилар. 23 Агар Худо шу
маслаҳатларимни юрагингга солса, сен тазйиқларга бардош бера оласан. Ҳамма
тинчгина ўз жойига кетади.
24 Мусо қайнатасининг гапига қулоқ солди. У нима айтган бўлса, ҳаммасини
қилди. 25 Исроил халқи орасидан лаёқатли одамларни танлаб олди. Ўша
одамларни мингбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши қилиб тайинлади. 26 Улар
ҳамма масалаларни адолатли ҳал қилардилар. Қийин масалаларни Мусога олиб
келишар, кичикроқ ишларни эса ўзлари қараб чиқишарди. 27 Шундан кейин Мусо
қайнатасига ижозат берди. Ятро ўз юртига қайтиб кетди.

19–БОБ

Исроил халқи Синай тоғида

1-2 Исроил халқи Рафидимдан* кетди. Мисрдан чиққандан кейин учинчи
ойнинг* биринчи куни улар Синай саҳросига етиб келдилар. Улар Синай тоғи
этагида қароргоҳ қурдилар. 3 Мусо тоққа — Худонинг ҳузурига чиқди. Эгамиз
тоғдан уни чақириб, шундай деди:
— Ёқуб наслига — Исроил халқига шундай деб айт: 4 “Мен, Эгангиз,
Мисрликларни нима қилганимни кўргансизлар. Бургут ўз болаларини қанотлари
устида кўтариб келтиргандай, Мен сизларни кўтариб, ҳузуримга олиб
келганимни ҳам кўргансизлар. 5 Энди Менинг амрларимга чин дилдан итоат
этсангиз, аҳдимга риоя қилсангиз, сизлар Менинг халқим, бошқа халқлар орасида
хазинам бўласизлар. Бутун ер Меникидир, 6 аммо сизлар Мен, Эгангизга, хизмат
қиладиган руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас бир халқ бўласизлар.” Исроил халқига
сен етказадиган хабар шудир.
7 Мусо келиб, халқ оқсоқолларини чақирди. Эгамиз унга, айт, деб амр этган
ҳамма гапларни айтди. 8 Жамики халқ бир овоздан: “Эгамизнинг ҳамма
айтганларини бажарамиз”, деб жавоб берди. Мусо халқнинг жавобини Эгамизга
қайтариб олиб келди. 9 Эгамиз Мусога:
— Мен сенинг олдингга қалин булут ичида келаман, — деди, — токи Мен
сенга гапираётганимни халқ эшитсин. Шунда халқ сенга ҳар доим ишонади.
Мусо халқнинг гапини Эгамизга айтганда, 10 Эгамиз деди:
— Бор, бугун ва эртага халқ поклансин*, кийимларини ювсин. 11 Шундай
қилиб, эртадан кейинги кунга тайёр бўлишсин. Ўша куни Мен, Эгангиз, Синай

тоғига тушаман. Жамики халқ Мени ўша ерда кўради. 12 Тоғ атрофига чегара
қилиб қўй, токи халқ чегарани босиб ўтмасин. Халққа айт: “Тоққа чиқманглар,
тоғнинг яқинига ҳам бора кўрманглар. Агар бирортаси тоққа қадам қўйса,
ўшанинг жазоси ўлимдир. 13 Ўша одамни тошбўрон қилиб ёки ўқ отиб
ўлдиринглар, унга зинҳор қўл теккизманглар. Ҳайвон бўладими ёки инсон
бўладими, ўлимга ҳукм қилинсин.” Бурғу овози қаттиқ чалингандан кейин эса
халқ тоққа чиқса бўлади.
14 Шундай қилиб, Мусо тоғдан халқнинг ёнига тушди, халқ покланди,
кийимларини ювди. 15 Кейин у халққа:
— Учинчи кунга тайёр бўлинглар, хотинларингизга яқинлашманглар, — деб
айтди.
16 Учинчи куни эрталаб момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақди. Тоғнинг устини
қалин булут қоплади. Бурғу овози жуда қаттиқ чалинди. Қароргоҳдаги жамики
халқни титроқ босди. 17 Мусо халқни Худо билан учраштиргани қароргоҳдан олиб
чиқди. Халқ тоғнинг этагида турди. 18-20 Кейин Эгамиз Синай тоғига — тоғ
чўққисига тушди. Эгамиз Синай тоғига аланга ичида тушиб келгани учун бутун
тоғ тутаётган эди. Тоғ қаттиқ силкинганда, тандирдан тутун чиққани сингари,
тоғдан ҳам тутун чиқаётган эди. Бурғу овози қаттиқроқ чиққани сари, Мусо ҳам
гапирарди. Худо унга момақалдироқ орасидан туриб жавоб берарди. Эгамиз
Мусони тоғ чўққисига чақирди. Мусо у ерга чиқди. 21 Кейин Эгамиз Мусога айтди:
— Пастга туш, халқни огоҳлантир, улар чегарани босиб ўтишмасин. Улар Мен,
Эгангизни кўргани келмасликлари лозим, шундай қилганлар нобуд бўлади.
22 Ҳатто доимо Менинг яқинимга келадиган руҳонийлар* ҳам ўзларини
поклашлари лозим. Акс ҳолда, Мен уларни қириб ташлайман.
23 Шунда Мусо Эгамизга айтди:
— Халқ Синай тоғига чиқмайди. Ўзинг: “Тоғ атрофига чегара қўй, бу тоғни
муқаддас сақла”, деб мени огоҳлантирган эдинг.
24 Эгамиз унга:
— Бор, пастга туш! — деди. — Ўзинг билан бирга Ҳорунни олиб кел. Аммо
руҳонийлар ёки халқ, тоққа чиқамиз, деб чегарани оёқ ости қилишмасин. Акс
ҳолда, уларни Мен оёқ ости қиламан.
25 Шундай қилиб, Мусо халқнинг ёнига тушди. Эгамизнинг айтганларини
уларга гапириб берди.

20–БОБ

Ўнта амр

1 Кейин Худо қуйидаги сўзларни айтди:

2 “Мен сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худоман.

3 Мендан бошқа худоларга сажда қилманг.

4 Ўзларингизга ҳеч қандай бутни ясаманг. Осмонда ё ерда ё ер остидаги
сувда мавжуд бўлган бирор нарсанинг шаклини ясаманг. 5 Ўша худолар ёки
бутларга* сажда қилманг, хизмат қилманг. Мен, Эгангиз Худо, сизларнинг
севгингизни бошқа худолар билан баҳам кўрмайдиган Худоман. Мендан
нафратланадиганларни жазолайман, уларнинг гуноҳлари оқибатидан
фарзандлари, набиралари ва чеваралари ҳам қочиб қутулмайди. 6 Лекин
Мени севиб, амрларимга риоя қиладиганларнинг минг–минг авлодларига*

содиқ севгимни кўрсатаман.

7 Мен, Эгангиз Худонинг исмини суиистеъмол қилманг*. Ким Менинг
исмимни суиистеъмол қилса, ўшани жазосиз қолдирмайман.

8 Шаббат кунини муқаддас деб билинг, бу кунга риоя қилиб юринг.
9 Ҳамма ишларингизни бажаришингиз учун олти кун бор. 10 Еттинчи кун
эса Мен, Эгангиз Худога аталган Шаббат кунидир. Ўша куни ҳеч қандай иш
қилманглар. Ўғилларингиз, қизларингиз, қулларингиз, чўриларингиз,
ҳайвонларингиз, шаҳрингиздаги мусофирлар ҳам ҳеч қандай иш
қилишмасин. 11 Мен, Эгангиз, олти кун давомида осмон билан ерни,
денгизни ва улардаги ҳамма мавжудотни яратдим. Еттинчи куни эса дам
олдим. Шунинг учун Мен, Эгангиз, Шаббат кунини муборак қилиб,
муқаддас деб бошқа кунлардан ажратдим.

12 Ота–онангизни ҳурмат қилинг. Ўшанда Мен, Эгангиз Худо, сизларга
бераётган юртда умрингиз узоқ бўлади.

13 Қотиллик қилманг.

14 Зино қилманг.

15 Ўғрилик қилманг.

16 Қўшнингизга қарши ёлғон гувоҳлик берманг.

17 Қўшнингизнинг уйига кўз олайтирманг. Қўшнингизнинг хотини,
қули ёки чўриси, моли ёхуд эшаги, унга қарашли бирор нарсасига кўз
олайтирманг.”

Исроил халқи ваҳимага тушади

18 Бутун халқ чақмоқни ва тоғнинг тутунини кўрди, момақалдироқ товушини
ва бурғунинг баланд овозини эшитди. Халқ қўрққанидан титраб, узоқроққа бориб
турди. 19 Халқ Мусога айтди:

— Бизга ўзингиз гапиринг, биз қулоқ солайлик. Худо бизга гапирмасин, тағин
ўлиб кетмайлик.

20 — Қўрқманглар! — деди Мусо халққа. — Худо фақат сизларни синаш учун,
Ундан қўрқиб, гуноҳ қилмаслигингиз учун келган.

21 Аммо халқ узоқ масофада тураверди. Мусо Худо турган қалин булутга яқин
борди.

Қурбонгоҳлар тўғрисида кўрсатмалар

22 Сўнгра Эгамиз Мусога айтди:

— Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Мен сизларга самодан
гапирганимга ўзларингиз гувоҳ бўлдингиз. 23 Ўзларингиз учун кумуш ёки
олтиндан худолар ясаманглар. Мендан бошқа ҳеч бир худога сажда қилманглар.
24 Мен Ўзимни сизларга қаерда зоҳир қилсам, ўша жойда Менга атаб тупроқдан
қурбонгоҳ қуринглар. Шунда Мен келиб, сизларга марҳамат қиламан. Ўша
қурбонгоҳ устида қўйларингиздан, эчкиларингиздан, молларингиздан Менга
куйдириладиган ва тинчлик қурбонликлари келтиринглар. 25 Агарда Менга атаб
тошдан қурбонгоҳ ясасангиз, уни йўнилган тошдан қилманглар. Тошга тешани
теккизганларингизда, тош ҳаром бўлади. 26 Менга аталган қурбонгоҳга зинапоя

орқали чиқманглар, акс ҳолда, зинапоядан чиқаётганингизда, очиқ жойларингиз кўриниб қолади*.”

21–БОБ

Қуллар тўғрисида қонун–қоидалар

1 Эгамиз яна Мусога айтди: “Сен уларга етказадиган қонун–қоидалар
қуйидагича:

2 Агар иброний эркак сизларга қул бўлиб сотилса*, у сизларга олти йил хизмат
қилсин. Еттинчи йили эса у озод бўлсин, қарзи йўқ деб ҳисоблансин. 3 Уни сотиб
олганингизда, бўйдоқ бўлса, бўйдоқлигича чиқиб кетсин. Агар у уйланган бўлса,
хотини ҳам у билан бирга кетсин. 4 Агар хўжайини ўша қулни уйлантириб қўйган
ва хотини фарзанд кўрган бўлса, хотини ва болалари хўжайинникида қолиб, бир
ўзи чиқиб кетсин. 5 Лекин қул:

— Мен хўжайинимни, хотинимни ва болаларимни яхши кўраман, озод бўлиб
чиқиб кетмайман, — деб айтса, 6 хўжайини уни ҳакамлар ҳузурига* олиб келсин.
Хўжайин унинг қулоғини эшикка ёки эшик кесакисига* қўйиб, бигиз билан
тешсин. Ўшанда бу одам умрининг охиригача хўжайинига қул бўлиб қолади.

7 Бирор одам ўз қизини чўриликка сотса, у қиз, эркаклар сингари, олти йил
тугамагунча озод бўлмайди. 8 Агар қиз бирортасига сотилса–ю, ўша одам унга
уйланишни ният қилган бўлса, аммо у қизни ёқтирмай қолса, қиз отасига
қайтариб сотилсин. Хўжайин қизни бегоналарга сотиши мумкин эмас. Акс ҳолда,
келишувни бекор қилишга олиб келган бўларди. Хўжайин қизни сотиб олганда,
ўртада келишув бўлган. 9 Борди–ю, қизни ўғлига чўри қилиб сотиб олиб берган
бўлса, унга қизидай муомала қилсин. 10 Агар хўжайин чўрига уйланиб, сўнгра
бошқа хотинга уйланган бўлса, чўрини озиқ–овқат ёки кийим–кечакдан, ё хотини
сифатида у билан ётишдан маҳрум қилмасин. 11 Агар ўша одам ана шу уч йўлни
чўрига қилмаса, чўри қарз бўлмасдан, пул тўламай кетаверсин.

Зўравонлик тўғрисида қонун–қоидалар

12 Бирортаси бошқасини уриб ўлдириб қўйса, урган одамнинг жазоси ўлимдир.
13 Лекин бирортаси қасддан қилмай, Мен, Худойингиз, шунга йўл қўйган бўлсам, у
қочиб борадиган жойни Мен тайинлайман. 14 Борди–ю, бирортаси бошқа бир
одамни ҳийла билан қасддан ўлдирса, жонини сақлаш учун Менга аталган
қурбонгоҳга қочиб борса*, уни қурбонгоҳдан олиб чиқиб ўлимга ҳукм қилиш
лозим.

15 Ўз отаси ёки онасига қўл кўтарганнинг жазоси ўлимдир.

16 Кимки бирортасини ўғирлаб, ўғирлаган одамни сотиб юборса, ёки ҳали ҳам
ушлаб турган бўлса, ўшанинг жазоси ўлимдир.

17 Кимки отасини ёки онасини хўрласа, ўша одамнинг жазоси ўлимдир.

18 Икки киши жанжаллашиб, бири иккинчисини тош ёки мушт билан урса–ю, у
ўлмай, тўшакка ётиб қолса, 19 лекин ўрнидан туриб, таёқ билан уйдан чиқа олса,
урган одам жавобгар бўлмасин. Фақат жароҳатланган одамга йўқотган вақти,
даволаниши учун пул тўласин.

20 Бирортаси ўз қулини ёки чўрисини таёқ билан уриб ўлдириб қўйса,
калтакланган одам унинг қўлидан ўлса, урган одам жазоланиши лозим. 21 Лекин
хўжайин қул ёки чўрини урса–ю, у бир–икки кундан кейин ўлиб қолса, хўжайин
жазоланмасин. Ўз мулкидан айрилгани унга етарли жазодир.

22 Уришаётган одамлар ҳомиладор аёлни туртиб юборсалар, аёл чала туғиб

қўйса–ю*, унга бошқа зиён етмаса, зиён етказган одам ўша аёлнинг эри талаб қилган ва ҳакамлар белгилаган миқдордаги зарарни тўлаши лозим. 23 Агар бошқа зарар етган бўлса, жон эвазига жон, 24 кўз эвазига кўз, тиш эвазига тиш, қўл эвазига қўл, оёқ эвазига оёқ, 25 куюк эвазига куюк, яра эвазига яра, лат ейиш эвазига лат етказиш билан жавоб берсин*.

26 Кимки қул ёки чўрисининг кўзига уриб кўр қилиб қўйса, кўзи эвазига уни озодликка чиқарсин. 27 Қули ёки чўрисининг тишини синдирса ҳам, уни тиши эвазига озодликка чиқарсин.

Эгаларнинг масъулияти тўғрисида қонун–қоидалар

28 Агар эркак ёки аёлни буқа сузиб ўлдирса, буқа тошбўрон қилиб ўлдирилсин. Гўшти эса тановул қилинмасин. Лекин буқанинг эгаси айбдор ҳисобланмасин. 29 Бироқ буқа илгари ҳам сузонғич бўлса–ю, эгаси буни била туриб, буқасини назорат қилмаган бўлса, буқа бирор эркак ёки аёлни сузиб ўлдирса, буқа тошбўрон қилиб ўлдирилсин. Буқанинг эгасига ҳам жазо ўлимдир. 30 Аммо буқа эгасига ўз ҳаётини сақлаб қолиши учун пул тўлагани ижозат берилса, у талаб қилинган маблағни тўлаши лозим. 31 Ўғил болани сузса ҳам, қиз болани сузса ҳам, шу қонун амал қилсин. 32 Агар буқа қул ёки чўрини сузса, унинг хўжайинига буқа эгаси ўттиз бўлак кумуш* тўласин. Буқа эса тошбўрон қилинсин.

33 Бирортаси чуқур* ковлаб, устини ёпиб қўймаса ёки ёпиқ чуқурнинг устини очиб қўйса–ю, ўша чуқурга мол ёки эшак тушиб кетса, 34 чуқурнинг эгаси ўлган ҳайвоннинг эгасига товон тўласин. Ҳайвоннинг жасади эса чуқур эгасиники бўлсин.

35 Агар бирортасининг буқаси бошқасининг буқасини сузиб ўлдириб қўйса, тирик буқани сотиб, пулини тенг бўлишсин. Ўлган буқани ҳам тенг бўлишсин. 36 Аммо буқа илгари ҳам сузонғич бўлса–ю, эгаси буни била туриб, буқасини назорат қилмаган бўлса, буқа эвазига буқа билан товон тўлаши керак. Ўлган буқани эса ўзига олсин.

22–БОБ

Мулкни ҳимоя қилиш тўғрисида қонун–қоидалар

1 Бирортаси мол ёки қўйни ўғирлаб, сўйса ёки сотса, молнинг эвазига ўғри бешта мол, қўйнинг эвазига тўртта қўй тўласин. 2-4 Ўғирланган ҳайвонни ўғри қайтариши керак бўлса–ю, лекин товон тўлай олмаса, у ўғирлаган ҳайвон эвазига қул қилиб сотилсин. Ўғирланган ҳайвон тириклайин ўғрининг қўлида топилса, топилган ҳайвон мол бўладими ё эшак ёки қўй бўладими, икки баравар қилиб товон тўласин.

Бирортаси кечаси девор тешаётган ўғрини кўриб қолиб, ўғрини уриб ўлдириб қўйса, ўғрини ўлдирган одам айбдор эмас. Агар ўғрилик кундузи содир бўлса, қон тўккан одам айбдор бўлади.

5 Агар бирортаси бировнинг даласига ёки узумзорига чорвасини ўтлатгани қўйиб юборса, чорва экинзорни ёки узумзорни пайҳон қилса, чорва эгаси ўзининг даласидан ёки узумзоридан яхши ҳосилини даланинг эгасига қайтариб бериши лозим.

6 Агар бирортаси олов ёқса, олов чангалзор бўйлаб бировнинг даласига ўтиб, ўсаётган донни ёки ўриб, боғлаб қўйилган ғаллани ёндириб юборса, олов ёққан одам ҳамма зарарни қоплаши лозим.

7 Бирортаси пулини ёки буюмини қўшнисига сақлаш учун берса, аммо шулар қўшнисининг уйидан ўғирланиб, ўғри топилса, ўғри икки баравар қилиб тўлаши

керак. [8] Ўғри топилмаса, уй эгаси ҳакамлар ҳузурига* келиб:
— Қўшнимнинг мулкига қўлимни теккизмаганман, — деб қасам ичсин.
[9] Кимдир йўқотиб қўйган бирор буюми, моли, эшаги, қўйи, кийими тўғрисида қўшниси билан жанжаллашиб қолса, бу меники, деб даъво қилса, иккови ҳам, ажрим қиламиз деб, ҳакамлар ҳузурига борсин. Ҳакамлар* айбдор деб топган одам буюм эгасига икки баравар товон тўлаши керак.
[10] Бирортаси қўшнисига эшагини ё молини ёки қўйини ёхуд бошқа ҳайвонини қараб тургани берса–ю, ўша ҳайвон ўлиб қолса, ёки шикастланса, ёки ўғирлаб олиб кетилган бўлса, лекин гувоҳ бўлмаса*, [11] олган одам ҳайвон эгасига: «Худо ҳақи, айбим йўқ», деб қасам ичсин. Ҳайвон эгаси қасамга ишонсин, қўшниси товон тўламасин. [12] Борди–ю, ўша ҳайвон қўшнисининг айби билан ўғирланган бўлса, қўшниси ҳайвон эгасига товон тўласин. [13] Агарда ҳайвонни бирор йиртқич тилка–пора қилган бўлса, далил қилиб бурдаларини кўрсатсин. Бурдаланган бўлаклари учун у товон тўламайди.
[14] Бирортаси бошқасининг ҳайвонини сўраб олган бўлса–ю, ҳайвон шикастланса ёки ўлса, лекин ўша пайтда эгаси ҳайвоннинг олдида бўлмаса, сўраб олган одам ҳайвон учун товон тўласин. [15] Агар ўшанда эгаси ўз ҳайвони ёнида бўлса, товон тўламасин. Агар ҳайвон ёллаб олинган бўлса, ёлланган баҳоси тўлансин.

Ахлоқ ва дин тўғрисида қонун–қоидалар

[16] Кимки вояга етган ва унаштирилмаган қизни зўрлаб, у билан ётса, ўша одам у қиз учун қалин берсин, ўша қизга уйлансин. [17] Агар отаси қизни ўша одамга беришга рози бўлмаса, ўша одам вояга етган қизларга бериладиган миқдордаги пулни қизнинг оиласига тўласин.
[18] Жодугарларни тирик қолдирманглар.
[19] Ҳайвон билан жинсий алоқа қилган одамнинг жазоси ўлимдир.
[20] Фақат Мен, Эгангизгагина қурбонлик келтиринглар. Мендан бошқа худоларга қурбонлик келтирган одамни ўлимга ҳукм қилинглар.
[21] Мусофирни эзиб, унга зулм ўтказманглар. Ўзларингиз ҳам Мисрда мусофир бўлган эдингизлар.
[22] Беваларга ва етимларга жабр қилманглар. [23] Агар шундай қилсангиз, улар Менга ёлворадилар. Мен уларнинг нолаларини эшитаман. [24] Мен қаттиқ ғазабланиб, эркакларингизга қирғин келтираман. Оқибатда хотинларингиз бева, болаларингиз етим бўлиб қолади.
[25] Менинг халқимдан бирорта камбағалга қарз берсангиз, қарз берувчи сифатида уни сиқувга олманглар, ундан фоиз талаб қилманглар. [26] Агар қўшнингизнинг тўнини гаровга олган бўлсангиз, кун ботмасдан олдин тўнини қайтариб беринг. [27] Ўша тўн қўшнингизнинг биттаю битта ёпинчиғидир. Бўлмаса, қўшнингиз нимани ёпиниб ухлайди?! У Менга ёлворганда, эшитаман. Мен раҳмдилман.
[28] Мен, Худойингизни* хўрламанглар, оқсоқолларингиздан бирортасини ҳам қарғаманглар.
[29] Хирмонингизнинг ҳосилидан, зайтун мойи ва шаробдан Менга назр қилишни кечиктирманглар.
Тўнғич ўғилларингизни Менга бағишланглар*. [30] Мол ва қўй–эчкиларингизнинг биринчи эркак боласини ҳам Менга бағишланглар. Улар етти кун онаси билан бўлсин, саккизинчи куни эса уларни Менга назр қилинглар.
[31] Сизлар Менинг муқаддас халқим бўлинглар. Далада йиртқич тилка–пора қилган ҳайвоннинг гўштини ўзларингиз еманглар, итларга беринглар.

23–БОБ

Адолатли ҳукм тўғрисида қонун–қоидалар

1 Ёлғон хабарлар тарқатманглар. Ёлғон гувоҳлик бериш орқали фосиқ
одамларга қўшилманглар. 2 Кўпчилик нотўғри иш қилганда ёки адолатдан четга
чиқиб гувоҳлик берганда, уларга эргашманглар. 3 Камбағални ҳукм қилаётганда
ҳам, камбағал, деб унинг тарафини олманг.
4 Агар душманингизнинг йўқолиб қолган ҳўкизини ёки эшагини топиб
олсангиз, эгасига олиб бориб беринг. 5 Душманингизнинг эшаги юк оғирлигидан
йиқилиб қолса, сиз уни кўрган бўлсангиз, душманингизни ташлаб кетманг. Унга
ёрдам беринг.
6 Ҳукмда камбағалга қарши адолатдан кўз юмманг. 7 Туҳматчилардан узоқ
туринглар, айбсиз, тўғри одамни ўлимга ҳукм қилманглар. Мен бундай иш қилган
айбдорларни ҳукмда оқламайман. 8 Пора олманглар. Пора туфайли кўзи
очиқларнинг кўзини ёғ босади. Пора ҳар доим тўғри одамларнинг ишига зарар
етказади.
9 Мусофирга зулм қилманглар. Ўзларингиз Мисрда мусофир бўлган
эдингизлар, шу боис мусофирнинг аҳволини биласизлар.

Еттинчи йил ва еттинчи кун тўғрисида қонун–қоидалар

10 Олти йил далангизга уруғ сепиб, ҳосилини йиғиштириб олинг. 11 Еттинчи
йили* эса ерингизни бўш қолдиринг, дам беринг. Халқингиз орасидаги
камбағаллар ерингиздан ўсиб чиқадиган ҳосилдан бирон егулик топиб есин.
Улардан қолганини эса дашт ҳайвонлари есин. Узумзорингизни ва
зайтунзорингизни ҳам шундай қилинглар.
12 Олти кун иш қилинглар, еттинчи куни эса ишламанглар, токи
ҳўкизларингиз, эшакларингиз ҳам ишдан тинсин, қулларингиз, мусофирлар ҳам
ором олсин.
13 Мен сизларга берган амрларимга риоя қилинглар. Бошқа худоларга илтижо
қилманглар. Уларнинг номларини ҳатто тилга ҳам олманглар.

Йилда қилинадиган байрамлар тўғрисида қонун–қоидалар

14 Менга атаб йилда уч марта байрам қилинглар:

15 Абиб ойининг* белгиланган вақтида хамиртурушсиз нон байрамини
нишонланглар. Сизлар ўша ойда Мисрдан чиққансизлар. Мен сизларга амр
этганимдай*, етти кун хамиртурушсиз нон енглар. Ҳар ким Менинг
ҳузуримга муносиб назрлар олиб келиши лозим.
16 Буғдой ўримини йиғиштиришни бошлаганингизда, далангизга эккан
уруғнинг илк ҳосилидан назр қилинглар. Шу орқали Ҳосил байрамини
нишонланглар.
Кузда даладаги ҳамма ҳосилингизни йиғиштириб бўлганингизда, Чайла
байрамини* нишонланглар.

17 Ҳамма эркаклар ҳар йили шу учала байрамда Мен, Эгангиз Раббийнинг ҳузурига
келиб сажда қилсин.
18 Менга қилинган қурбонликнинг қонини хамиртуруш қўшилган нон билан
бирга назр қилманглар. Қилинган қурбонликнинг ёғини эрталабга қолдирмай
куйдиринглар.
19 Ерингиздан олган илк ҳосилнинг энг яхшисини Мен, Эгангиз Худонинг
уйига олиб келинглар.

Улоқчани онасининг сутида қайнатманглар*.

Ваъда ва огоҳлантиришлар

20 Сизларни йўлда муҳофаза этсин, сизларни Мен тайёрлаган ерга олиб борсин
деб, олдингизда фариштани юборяпман. 21 Менинг номимдан келадиган қудрату
ҳокимият унга берилган. Шунинг учун унга ўжарлик қилманглар, акс ҳолда, у
ўжарлигингизни кечирмайди. 22 Агар фариштамнинг айтганларига диққат билан
қулоқ солсангиз, Менинг амрларимга итоат этсангиз, душманларингизга душман,
рақибингизга рақиб бўламан. 23 Фариштам олдингизда бориб, сизларни Амор, Хет,
Париз, Канъон, Хив ва Ёбус халқларининг ерларига бошлаб боради. Мен ўша
халқларни йўқ қиламан. 24 Уларнинг худоларига сажда қилманглар, хизмат
қилманглар. Бу халқларнинг одатларига тақлид қилманглар. Уларнинг
худоларини йўқ қилинглар, бутсимон тошларини синдириб ташланглар. 25 Фақат
Мен, Эгангиз Худогагина хизмат қилинглар. Шунда Мен ош–сувингизни баракали
қиламан, орангиздан хасталикларни йўқ қиламан. 26 Юртингизда ҳомиласи тушиб
қолган ёки бефарзанд аёл бўлмайди. Мен умрингизни узоқ қиламан.
27 Сизларга қарши бўлган халқларни Мендан қўрқадиган қиламан. Сизларга
қарши жанг қиладиган халқларни саросимага соламан. Душманларингизнинг
ҳаммасини олдингиздан қочираман. 28 Мен Хив, Канъон ва Хет халқларини
ваҳимага соламан–да, олдингиздан қувиб юбораман*. 29 Лекин Мен бир йил
ичидаёқ уларни олдингиздан ҳайдаб юбормайман. Агар бир йилнинг ичида
уларни ҳайдасам, ўша юрт бўм–бўш бўлиб қолади, дашт ҳайвонлари кўпайиб,
сизга хавф солади. 30 Шунинг учун сизлар кўпайиб, ўша юртни бутунлай эгаллаб
олмагунингизча, у ернинг халқларини оз–оздан олдингиздан ҳайдайман.
31 Чегараларингизни Қизил денгиздан* Ўрта ер денгизигача*, саҳродан Фурот
дарёсигача* кенгайтираман. Шу юртнинг халқларини қўлларингизга бераман.
Сизлар уларни олдингиздан қувасизлар. 32 Уларнинг ўзлари билан ҳам, худолари
билан ҳам аҳд қилманглар. 33 У халқлар сизнинг юртингизда яшамасин. Бўлмаса
улар сизни ўзларининг худоларига сажда қилдириб, Менга қарши гуноҳга
бошлайди. Бу йўл билан сизларни тузоғига илинтириб олади.”

24–БОБ

Халқ Худога итоат этишга рози

1 Шундан кейин Эгамиз Мусога деди:
— Сен Ҳорунни ва унинг икки ўғли Надов билан Абиҳуни, Исроилнинг
етмишта оқсоқолини Менинг ҳузуримга олиб кел*. Кейин узоқдан сажда
қилинглар. 2 Менга фақат сен яқин келгин, бошқа ҳеч ким яқин келмасин. Халқ
эса сизлар билан бирга чиқмасин.
3 Мусо келиб, Эгамизнинг ҳамма амрларини, ҳамма қонун–қоидаларини халққа
айтиб берди. Халқ бир овоздан: “Эгамизнинг ҳамма айтганларини бажарамиз”,
дея жавоб берди. 4 Мусо Эгамизнинг ҳамма амрларини ва қонун–қоидаларини
ёзди. Сўнг эртаси куни тонгда туриб, тоғ этагига қурбонгоҳ қурди. Ўн икки
Исроил қабиласининг миқдорига кўра, ўн иккита тош ўрнатди. 5 Мусо Исроил
халқи орасидан ёш йигитларни қурбонликлар келтиргани юборди. Улар Эгамизга
куйдириладиган қурбонликлар қилишди. Буқаларни тинчлик қурбонликлари
қилишди. 6 Мусо қоннинг ярмини тоғорага қуйди, қолган ярмини эса қурбонгоҳга
сепди. 7 Сўнгра у Аҳд китобини* олиб, халққа овоз чиқариб ўқиб берди. Шунда
халқ: “Эгамизнинг ҳамма айтганларини бажарамиз, Унга итоат қиламиз”, деди.
8 Мусо тоғорадаги қонни олди–да, халққа сепиб: “Ана шу сўзларга мувофиқ, шу

қон Эгамизнинг сизлар билан қилган аҳдини тасдиқлайди”, — деди.
9 Шундан кейин Мусо, Ҳорун, Надов, Абиҳу ва Исроилнинг етмишта оқсоқоли
10 тоққа чиқишиб, у ерда Исроил халқининг Худосини кўрдилар: Унинг оёқлари
остида зангори ёқутдан қилинган полга ўхшаш бир нарса бор эди. У мовий осмон
11 каби мусаффо эди. Исроил халқининг бу йўлбошчилари Худони кўрган
бўлсалар–да, Худо уларни ўлдирмади. Улар ўша ерда қурбонлик гўштини тановул
қилдилар.

Мусо Синай тоғида

12 Кейин Эгамиз Мусога айтди:
— Тоққа, Менинг олдимга чиқиб, шу ерда тур*. Мен сенга амр ва қонунлар
ёзилган иккита тош лавҳани бераман. Бу амр ва қонунларни халқ ўргансин деб
ёздим.
13 Мусо билан унинг шогирди Ёшуа отланишди. Мусо Худонинг муқаддас
14 тоғига кетаётиб, оқсоқолларга айтди:
— Ёнларингизга қайтиб келгунимизча шу ерда — қароргоҳда кутиб
туринглар. Ҳорун билан Хур сизларнинг ёнингизда қолади. Кимнинг иши бўлса,
уларга мурожаат этсин.
15 Мусо тоққа чиққанда, тоғни булут қоплади. 16 Эгамиз улуғворлигини зоҳир
қилиб, Синай тоғига тушди. Олти кун давомида булут тоғни қоплаб турди.
Еттинчи куни Эгамиз булут орасидан Мусони чақирди. 17 Эгамизнинг
улуғворлиги тоғ чўққисида ловуллаётган аланга каби, Исроил халқи кўзи ўнгида
18 зоҳир бўлиб турарди. Мусо булут орасида юриб, тоғ чўққисига чиқди. Мусо
тоғда қирқ кечаю қирқ кундуз қолди.

25–БОБ

Муқаддас чодир учун назрлар

1 Эгамиз Синай тоғида Мусога деди: 2 “Исроил халқига, Эгамизга назр
келтиринглар, деб айт. Менга чин кўнгилдан назр қилмоқчи бўлган одамнинг
3 назрини қабул қил. Сен улардан қабул қилиб оладиган назрлар қуйидагилардир:
4 олтин, кумуш, бронза, шунингдек, кўк, сафсар ва қирмизи рангли иплар, майин
5 зиғир матоси, эчки жуни, қизилга бўялган қўчқор териси, юмшоқ тери*, акас
6 ёғочи*, мойчироқлар учун зайтун мойи, муқаддас қиладиган мой* учун
7 зираворлар, хушбўй тутатқи учун зираворлар, эфод ва кўкракпечга тақиладиган
8 ақиқ ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар. Исроил халқи Мен учун муқаддас маскан
9 барпо қилишсин, токи Мен Исроил халқи орасида истиқомат қилайин. Бу
Муқаддас чодирни ва унинг ҳамма жиҳозларини Мен сенга кўрсатадиган
намунага мувофиқ ясат.

Аҳд сандиғи ва унинг қопқоғига оид кўрсатмалар

10 Акас ёғочидан Сандиқ* ясат. Сандиқнинг узунлиги икки ярим тирсак, эни
бир ярим тирсак, бўйи бир ярим тирсак* бўлсин. 11 Сандиқнинг ичкарию
ташқарисини тоза олтин билан қоплат. Айланасига олтин гулчамбар қилдир.
12 Сандиқ учун эритилган олтиндан тўртта ҳалқа ясатиб, тўртала оёғига
маҳкамлат: иккита ҳалқа бир томонида, иккита ҳалқа иккинчи томонида бўлсин.
13 Кейин акас ёғочидан ходалар ясатиб, ходаларни олтин билан қоплат.
14 Ходаларни Сандиқнинг иккала томонидаги ҳалқадан ўтказ, токи ходалар
ёрдамида Сандиқни кўтариб юришсин. 15 Ходалар Сандиқнинг ҳалқаларидан
айириб олинмасин, доимо турсин. 16 Мен сенга берадиган аҳднинг амр ва

қонунлари ёзилган иккита тош лавҳани* Сандиққа солиб қўй.
17 Тоза олтиндан Сандиқнинг қопқоғини ясат. Қопқоқнинг узунлиги икки
ярим тирсак, эни бир ярим тирсак* бўлсин. 18-19 Шу билан бирга, олтиндан зарб
уриб иккита каруб* ясат*. Битта каруб қопқоқнинг бир четида, иккинчи каруб
иккинчи четида бўлиб, ҳар иккаласи қопқоқ билан бир бутунни ташкил қилсин.
20 Карубларнинг тепага кўтарилган қанотлари қопқоқни беркитиб турсин. Улар
юзма–юз туриб, қопқоққа қараган бўлсин. 21 Қопқоқни Сандиқнинг устига қўй.
Мен сенга берадиган иккита тош лавҳани* Сандиққа сол. 22 Мен сен билан Аҳд
сандиғи* олдида учрашаман. Карублар ўртасидаги гуноҳдан поклаш жойи
тепасидан Мен сенга гапириб, Исроил халқи учун ҳамма амрларимни сенга
бераман.

Муқаддас нонлар қўйиладиган хонтахтага оид кўрсатмалар

23-24 Акас ёғочидан хонтахта* ясат. Уни тоза олтин билан қоплат. Хонтахтанинг
узунлиги икки тирсак, эни бир тирсак, бўйи бир ярим тирсак* бўлсин.
Хонтахтанинг четларига айлантириб олтин гулчамбар қилдир. 25 Яна
хонтахтанинг айланаси бўйлаб тўрт энли ром ўрнат. Бу ромни нақшли ҳошия
қилиб безат. Уни хонтахтанинг оёқларига маҳкамлат. 26-28 Яна тўртта олтин ҳалқа
ясатиб, ҳар бирини тахта маҳкамланган жойнинг ёнига — тўртала бурчагидаги
тўртала оёғига ўрнаштир. Акас ёғочидан иккита хода ясатиб, уларни олтин билан
қоплат. Бу ёғочларни ҳалқалардан ўтказиб, хонтахтани кўтариб юриш учун
фойдалан. 29 Хонтахтага қўйиладиган лаган, пиёлалар, шароб назр қилиш учун
кўза ва косалар ясат. Бу буюмларни тоза олтиндан ясат. 30 Менинг ҳузуримдаги
хонтахтада доим муқаддас нонлар* турсин.

Чироқпояга оид кўрсатмалар

31 Соф олтиндан зарб уриб чироқпоя* ясат. Бутун чироқпоя ва унинг безаклари
бир бутун қилиб ясалсин. Чироқпоянинг таглиги, пояси ва куртакли гулга ўхшаш
шаклдаги пиёлалари бўлсин. 32 Яна чироқпоянинг поясидан олтита шохча
чиқарилсин: учта шохчаси бир ёнидан, учта шохчаси иккинчи ёнидан
чиқарилсин. 33 Чироқпоянинг поясидан чиқадиган шохчаларнинг ҳар бирида
куртакли бодом гулига ўхшаш шаклдаги учта пиёла бўлсин. 34 Чироқпоянинг
поясида куртакли бодом гулига ўхшаш шаклдаги тўртта пиёла бўлсин.
35 Чироқпоянинг поясидан чиқадиган шохчаларнинг ҳар жуфтида бу
куртаклардан учтаси бирин–кетин тизилиб турсин. 36 Чироқпоя, шохчалари ва
куртаклари билан битта қилиб, тоза олтиннинг яхлит бўлагидан зарб уриб
ясалиши лозим. 37 Чироқпоя учун еттита мойчироқ ясат. Мойчироқларни
чироқпояга шундай ўрнаштиргинки, чироқпоянинг олд томонини ёритадиган
бўлсин. 38 Мойчироқларга қараб туриш учун тоза олтиндан қисқичлар ва
патнислар ясат. 39 Чироқпояни ва бу буюмларни икки пуд* тоза олтиндан
ясашсин. 40 Эҳтиёт бўл, ўша ҳамма буюмларни Мен сенга шу ерда — тоғда
кўрсатган намунага мувофиқ ясат.

26–БОБ

Муқаддас чодирга оид кўрсатмалар

Чодирнинг ички қавати

1 Энди Муқаддас чодирнинг* ўзига келсак, унинг ички қаватини қилдир. У
майин зиғир матосидан тикилган ўнта чойшабдан иборат бўлсин. Моҳир усталар
бу чойшабларни безатиб, уларга кўк, сафсар ва қирмизи иплар билан карублар

тасвирини солишсин. 2 Ҳар бир чойшабнинг бўйи йигирма саккиз тирсак, эни
тўрт тирсак* бўлсин. Ҳамма чойшабларнинг ўлчови бир хил бўлсин.
3 Чойшаблардан бештасининг бўйини бир–бири билан бирлаштириб тиктир,
қолган бештасини ҳам шундай қилдир. 4-5 Ҳосил бўлган икки узун бўлак
чойшабнинг бўйига кўк матодан элликтадан ҳалқа тиктир. Ҳар икки томонга
тикилган ҳалқалар бир–бирига рўпарама–рўпара бўлсин. 6 Кейин олтиндан
элликта илгак ясаттир, иккала чойшабнинг ҳалқаларини илгаклар билан
бир–бирига улат. Шунда Чодирнинг ички қавати бир бутун бўлади*.

Чодирнинг ташқи қопламалари

7 Муқаддас чодирнинг қопламаси учун эчки жуни матосидан ўн битта чойшаб
тиктир. 8 Ҳар бир чойшабнинг бўйи ўттиз тирсак, эни тўрт тирсак* бўлсин. Ўн
битта чойшабнинг ҳаммаси бир ўлчовда бўлсин. 9-11 Чойшаблардан бештасининг
бўйини бир–бири билан бирлаштириб тиктир, қолган олтитасини ҳам шундай
қилдир. Уланган икки бўлак чойшабнинг бўйига элликтадан ҳалқа тиктир. Кейин
бронзадан элликта илгак ясат, иккала чойшабнинг ҳалқаларини илгаклар билан
бир–бирига улат. Шунда Чодирнинг қопламаси бир бутун бўлади*. Чодир устига
қопламани ташлаганларингизда, Чодирга кираверишнинг юқорисида
олтинчисини узунаси бўйлаб икки букла. 12 Қопламанинг бўйидан қолган икки
тирсаги* Чодирнинг орқасида ерга ёйилиб туради*. 13 Қопламанинг эни
охиридаги қўшимча бир тирсак Чодирнинг икки ёнбошида ерга осилиб туради ва
Чодирни бутунлай қоплайди*. 14 Бу қоплама устига қўйиш учун қизилга бўялган
қўчқор терисидан қоплама, сўнг юмшоқ теридан* ташқи қоплама қилдир.

Чодирни тутиб турадиган ром

15 Акас ёғочидан* Муқаддас чодирни тутиб турадиган ромлар* ясат. 16 Ҳар бир
ромнинг бўйи ўн тирсак, эни бир ярим тирсак* бўлсин. 17 Ҳар бир ромнинг остида
бир–бирига параллель бўлган иккита тиргак ясат. 18 Чодирнинг жануб
томонидаги девор учун йигирмата ром ясат. 19 Бу ромлар остига қўйиш учун
кумушдан қирқта таглик — ҳар бир ром учун иккитадан таглик қилдир, токи ҳар
бир тиргак остида битта таглик бўлсин. 20 Чодирнинг шимол томонидаги девори
учун йигирмата ром ясат. 21 Ҳар бир ром остига қўйиш учун иккитадан, жами
қирқта кумуш таглик ясат. 22 Чодирнинг орқадаги — ғарб томонидаги девор учун
олтита ром, 23 Чодирнинг орқасида бурчаклар ҳосил қилиш учун ҳар икки
томонига яна биттадан ром ясат. 24 Бу иккала ромни пастдан ва юқоридан
туташган девордаги охирги ромга бирлаштир. Битта бурчак ҳосил қилиш учун
битта ҳалқа билан яхлит қилиб бирлаштир. Бу ҳар иккала бурчак шу йўл билан
ҳосил қилинади. 25 Шундай қилиб, ҳар бир ром остига қўйиш учун иккитадан —
ўн олтита кумуш тагликка таянган саккизта ромдан орқадаги девор ясалади.

26 Муқаддас чодирнинг жануб томонидаги ромларни ушлаб туриш учун акас
ёғочидан бешта тамба, 27 шимол томонидаги ромларни ушлаб туриш учун ҳам
бешта тамба, орқа томони — ғарб томонидаги ромларни ушлаб туриш учун ҳам
бешта тамба ясат. 28 Ромларнинг ярмигача ўрнаштирилган ўртадаги тамбалар
Чодирнинг бошидан охиригача чўзилади. 29 Ромларни олтин билан қоплат,
тамбаларни ушлаб турадиган олтин ҳалқаларни ромларга бирлаштир*,
тамбаларни ҳам олтин билан қоплат.

30 Чодирни Мен сенга шу ерда — тоғда кўрсатган намуна бўйича ўрнаштир.

Чодирнинг ички пардаси

31 Майин зиғир матосидан ички пардани тиктир. Моҳир усталар бу пардани
безатиб, унга кўк, сафсар ва қирмизи иплар билан карублар тасвирини солишсин.

32 Акас ёғочидан тўртта устун ясат. Устунларга олтин қоплатиб, уларга олтин
илгакларни маҳкамлат. Кумуш тагликка устунларни биттадан ўрнаштир ва ички
пардани устундаги илгакларга осдир. 33 Ички парда Чодир шипидаги илгаклар*
остида осилиб турсин. Аҳд сандиғи* ички парданинг орқасига олиб кирилсин.
Ички парда Муқаддас хонани Энг муқаддас хонадан ажратиб туради.
34 Сандиқнинг қопқоғи Энг муқаддас хонага олиб кирилсин, уни Аҳд сандиғи
устига қўйдир. 35 Хонтахтани Чодирнинг шимол томонига — ички парданинг
ташқарисига қўйдир. Чироқпояни эса Чодирнинг жануб томонига — ички
парданинг ташқарисидаги хонтахтанинг рўпарасига ўрнат.

Чодирнинг киришидаги парда

36 Чодирга кириш жойи учун майин зиғир матосидан пардани тиктир. Парда
устига кўк, сафсар ва қирмизи иплардан нафис нақш солдир. 37 Акас ёғочидан
бешта устун ясат, токи пардани ушлаб турсин. Устунларга олтин қоплатиб, уларга
олтин илгакларни маҳкамлат. Эритилган бронзадан устунлар остига қўйиш учун
бешта таглик ясат.

27–БОБ

Қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳга оид кўрсатмалар

1 Акас ёғочидан* тўртбурчак қилиб қурбонгоҳ* ясат. Қурбонгоҳнинг узунлиги
беш тирсак, эни ҳам беш тирсак, бўйи уч тирсак* бўлсин. 2 Қурбонгоҳнинг тўртала
бурчагига ўзидан йўниб чиқарилган биттадан шох ясат. Қурбонгоҳ ва унинг
шохларини бронза билан қоплат. 3 Қурбонгоҳдаги кулни тўккани қозонлар,
кураклар, тоғорачалар, санчқилар, оловкураклар ясат. Ҳамма буюмларни
бронзадан қилдир. 4 Қурбонгоҳга бронзадан панжара ясат. Панжаранинг тўртала
бурчагига тўртта бронза ҳалқа ясат. 5 Панжарани қурбонгоҳнинг ичига — тўрт
томонига ўрнатилган токчанинг остида ўрнат, ярмигача етиб борсин. 6 Яна
қурбонгоҳ учун акас ёғочидан ходалар ясатиб, ходаларни бронза билан қоплат.
7 Қурбонгоҳни кўтариб юриш учун қурбонгоҳнинг иккала ёнидаги ҳалқалардан
ходаларни ўтказ. 8 Қурбонгоҳнинг четларига тахта қоқтириб, ичини бўш қолдир.
Қурбонгоҳни Мен сенга шу ерда — тоғда кўрсатганимдай қилиб ясаттир.

Муқаддас чодир ҳовлиси атрофидаги тўсиққа оид кўрсатмалар

9 Сўнгра Муқаддас чодирнинг ҳовлисини ўраб турсин деб, пардадан тўсиқ
қилдир: тўсиб турадиган пардаларни майин зиғир матосидан тиктир. Ҳовлининг
жануб томонидаги пардадан қилинган тўсиқнинг узунлиги юз тирсак* бўлсин.
10 Ўша тўсиқда бронзадан қилинган йигирмата тагликка ўрнатилган йигирмата
устун бўлсин. Шу ердаги пардаларни осиш учун устунларга кумушдан қилинган
илгаклар ва ҳалқаларни маҳкамлат. 11 Ҳовлининг шимол томонидаги пардадан
қилинган тўсиқнинг узунлиги ҳам юз тирсакни ташкил қилсин, унинг йигирмата
устуни ва бронзадан қилинган тагликлари ҳам бўлсин. Пардаларини осиш учун
устунларига кумушдан қилинган илгаклар ва ҳалқаларни маҳкамлат.
12 Ҳовлининг ғарб томонидаги пардадан қилинган тўсиқнинг узунлиги эллик
тирсак*, унинг ўнта устуни ва таглиги бўлсин. 13 Ҳовлининг шарқ томони эллик
тирсак кенгликда бўлсин. 14-15 Ҳовлига кириш жойи шу ер бўлади. Киришнинг ўнг
ва чап томонидаги пардадан қилинган тўсиқларнинг узунлиги ўн беш тирсакдан*
бўлсин, ҳар икки томонга учтадан устун ва тагликлар ўрнатилсин. 16 Ҳовлига
кириш жойига узунлиги йигирма тирсак* бўлган парда қилдир. Уни майин зиғир
матосидан тиктир, устига кўк, сафсар ва қирмизи иплардан нафис нақш солдир.
Бу пардани тўртта тагликка ўрнатилган тўртта устун ушлаб туради. 17 Ҳовлининг

атрофидаги ҳамма устунларнинг кумушдан қилинган илгаклари ва ҳалқалари, бронзадан қилинган тагликлари бўлсин. 18 Ҳовлининг узунлиги юз тирсак, эни эллик тирсак* бўлсин. Тўсиб турадиган пардалар майин зиғир матосидан тиктирилиб, бўйи беш тирсак* бўлсин. Тагликлар бронзадан бўлсин. 19 Муқаддас чодирнинг бошқа барча зарур ашёлари ҳам, Чодирни ва пардадан қилинган тўсиқни ушлаб турадиган қозиқлар ҳам бронзадан ясалсин.

Мойчироқлар учун зайтун мойига оид кўрсатмалар

20 Сен Исроил халқига буйруқ бер: чироқпоядаги мойчироқлар учун тоза зайтун мойини улар сенга олиб келиб туришсин, токи мойчироқлар ҳар доим тун бўйи ёниб турсин. 21 Чироқпоя Учрашув чодирига, Аҳд сандиғини* тўсиб турган ички парда олдига ўрнатилган бўлсин. Ҳорун ва унинг ўғиллари, ҳар куни оқшомдан эрталабгача Эгамизнинг ҳузурида мойчироқлар ёниб турсин деб, мойчироқлардан хабар олиб туришсин. Бу қонун–қоидага Исроил халқи авлодлар оша доимо амал қилсин.

28–БОБ

Руҳонийлик либосларига оид кўрсатмалар

1 Исроил халқи орасидан аканг Ҳорунни ва у билан бирга унинг ўғилларини ёнингга чақир. Ҳорун ҳам, унинг ўғиллари Надов, Абиҳу, Элазар, Итамар ҳам руҳоний бўлиб Менга хизмат қилишсин. 2 Аканг Ҳорунни салобатли ва кўркам қилиш учун унга муқаддас руҳонийлик либосларини* тиктир. 3-4 Мен қобилият ато қилган ҳамма моҳир усталарга айт. Улар Ҳорунга қуйидаги руҳонийлик либосларини тикишсин: кўкракпеч, эфод, ридо, нақшли кўйлак, салла ва белбоғ. Ҳорун Менга хизмат қилганда, бу либослар уни муқаддас қилиб бошқалардан ажратиб туради. Ҳорун ўғиллари кийишлари учун уларга муқаддас либослар тиктир, токи улар руҳоний бўлиб Менга хизмат қилганларида, бу либосларни кийишсин. 5 Улар бу либосларни майин зиғир матосидан тикиб, кўк, сафсар, қирмизи ва зар иплар билан безатишсин.

Олий руҳоний учун эфод

6 Эфодни* майин зиғир матосидан ясатиб, устига кўк, сафсар, қирмизи ва зар иплардан нафис нақш солдир. 7 У бир–бирига иккита елка боғичи билан боғланган олд ва орқа қисмлардан иборат бўлсин. 8 Камар ясатиб, уни эфодга боғлат. Камарни ҳам майин зиғир матосидан қилдир. Унга кўк, сафсар, қирмизи ва зар иплардан нафис нақш солдир. 9-11 Кейин иккита ақиқ тош олиб, уста қимматбаҳо тошга муҳр ўядигандай, бу тошларга Исроил ўғилларининг исмини ўйиб ёздир. Битта тошга Исроил ўғилларидан олтитасининг исмини, иккинчи тошга қолган олтитасининг исмини ёши бўйича ёздир. Ёзилган тошларни олтиндан қилинган нақшли уялар ичига қўйдириб, 12 эфоднинг елка боғичларига ўрнаштир. Ҳорун Мен, Эгангизнинг ҳузурига кирганда, Исроилнинг ўн икки қабиласини эслатиб туриш учун иккала елкасида бу тошларни олиб юради. 13 Яна иккита нақшли, олтин уя ва 14 тоза олтиндан ипга ўхшатиб эшилган иккита занжир ясат. Бу иккала занжирнинг бир учи уяга маҳкамланади*.

Олий руҳоний учун кўкракпеч

15 Олий руҳоний учун кўкракпеч* ясат. У ҳукм қилаётганда, Худонинг хоҳишини билиш учун мана шу кўкракпечдан фойдаланади*. Кўкракпечни, эфод сингари, майин зиғир матосидан ясатиб, устига кўк, сафсар, қирмизи ва зар иплардан нафис нақш солдир. 16 Кўкракпечни тўртбурчак халта шаклида, икки

букланган, бўйи бир қарич, энига ҳам бир қарич қилиб ясат. 17 Кўкракпечга тўрт
қатор тошни* тўғри қилиб тердир: қизил ёқут, хризолит ва зумрад тошларни
биринчи қаторга тердир. 18 Иккинчи қаторга фируза, зангори ёқут ва олмосни
тердир. 19 Учинчи қаторга ложувард, агат ва аметист тошларни тердир.
20 Тўртинчи қаторга топаз, ақиқ ва яшма тошларни тердир. Ҳамма тошлар
олтиндан қилинган нақшли уяларга ўрнаштирилсин. 21 Бу ўн икки тош
Исроилнинг ўн икки қабиласини эслатиб туради. Муҳр ўйгандай қилиб,
Исроилнинг ўн икки ўғлидан ҳар бирининг исмини бу тошларнинг ҳар бирига
ўйиб ёздир.

22-23 Иккита олтин ҳалқа ясатиб, кўкракпечнинг иккала устки бурчакларига
маҳкамлат. Тоза олтиндан ипга ўхшатиб эшилган иккита занжирни ол*. 24 Иккала
занжирнинг бир учини кўкракпечдаги ҳалқаларга боғлат, 25 иккинчи учини
нақшли олтин уяларга маҳкамлат*. Уяларни эфоднинг олд томонидаги елка
боғичларига ўрнаштир. 26-27 Яна олтиндан тўртта ҳалқа ясат. Иккитасини
кўкракпечнинг остки бурчакларига — эфодга яқин бўлган ички қирғоғига
маҳкамлат. Иккитасини эфоднинг олд томонига, иккала елка боғичининг пастига
— нақшли камар устидаги жойга маҳкамлат. 28 Кўкракпеч эфоднинг нақшли
камари устида бўлсин, эфоддан осилиб турмаслиги учун кўкракпеч ҳалқалари
ёрдамида эфоднинг ҳалқаларига кўк боғич билан маҳкамланади.

29 Ҳорун ҳар сафар Муқаддас хонага кирганда кўкракпечдаги* ўн икки Исроил
қабиласининг исми унинг юраги тепасида бўлади. Шундай қилиб, Ҳорун Мен,
Эгангизнинг ҳузурида бўлганда, кўкракпеч доимо Менга Исроил қабилаларини
эслатиб туради. 30 Урим ва Туммимни кўкракпеч халтасининг ичига сол, токи
Ҳорун Менинг ҳузуримга кирганда, халқим учун Менинг хоҳишимни билгани
фойдаланиладиган ўша нарсаларни доимо юраги тепасида кўтариб юрсин.

Бошқа руҳонийлик либослари

31 Эфоднинг ридосини* кўк ипдан тўқилган матодан тиктир. 32 Ридонинг
ўртасидан бош сиғадиган тешик қилдир. Ридо йиртилиб кетмаслиги учун
тешикнинг четини тўқит. 33-34 Ридо этагининг учига айланаси бўйлаб анор*
шаклини ва қўнғироқчаларни бирин–кетин қилиб биттама–битта остириб чиқ.
Анор шаклини кўк, сафсар ва қирмизи иплардан қилдир. Олтин қўнғироқчаларни
анор шакли ораларига остир. 35 Мен, Эгангизнинг ҳузурида Ҳорун олий руҳоний
бўлиб хизмат қилганда, шу ридони кийиши керак. У Муқаддас хонага кирганда ва
у ерда бўлганда, ридонинг қўнғироқчалари чалинади, шунда Ҳорун
хавф–хатардан йироқ бўлиб, ўлмайди.

36 Кейин тоза олтиндан лавҳа ясат. Лавҳанинг юзасига муҳр ўйгандай қилиб,
«Эгамизга бағишланган», деб ўйиб ёздир. 37 Лавҳани кўк боғич билан салланинг
олд томонига маҳкамлат. 38 Исроил халқининг эҳсонлари Менга қабул бўлиши
учун Ҳорун доимо ўз руҳонийлик вазифасини бажарганда, лавҳани пешанасида
олиб юрсин. Исроил халқи назр қилганда, Ҳоруннинг назрларга оид гуноҳни
ювиш вазифасининг рамзи шу лавҳа бўлади.

39 Ҳоруннинг кўйлагини ва салласини майин зиғир матосидан қилдир,
кўйлагига нақш солдир. Яна белбоғини қилдир, уни ҳам нақш билан безат.
40 Ҳоруннинг ўғилларини салобатли ва кўркам қилиш учун уларга кўйлаклар,
белбоғлар, пешанабоғлар тиктир. 41 Аканг Ҳорун ва унинг ўғиллари руҳоний
бўлиб Менга хизмат қилишлари учун уларни бағишла: бу либосларни уларга
кийгизиб, мой сурт, уларни руҳоний қилиб тайинла.

42 Тананинг очиқ жойлари кўриниб қолмасин* деб, яна уларга зиғир
матосидан иштонлар тиктир. Кийимлар уларнинг белидан сонигача ёпиб турсин.

43 Ҳорун ва унинг ўғиллари Учрашув чодирига кирганларида ёки Муқаддас хонада
хизмат қилиш учун қурбонгоҳга яқинлашганларида, шу ички кийимларни кийиб
олсин. Шунда Ҳорун ва унинг ўғиллари очиқ жойларини беркитмагани учун
айбдор бўлиб ўлдирилмайди. Ҳорун ва унинг наслига доимий қонун–қоида ана
шудир.

29–БОБ

Ҳорун ва унинг ўғилларини руҳоний қилиб бағишлаш тўғрисида кўрсатмалар

1 Ҳорун билан унинг ўғиллари руҳоний бўлиб Менга хизмат қиладилар.
Шунинг учун уларни Менга бағишлаб, қуйидагича маросим ўтказ. Нуқсонсиз
битта буқани ва иккита қўчқорни ол. 2 Сифатли буғдой унидан қилинган
хамиртурушсиз нонларни, зайтун мойи қўшилган хамиртурушсиз нонларни ва
зайтун мойи суртилган хамиртурушсиз чалпакларни ҳам пиширтир. 3 Шундан
кейин нонларни саватга солиб, буқа ва иккала қўчқор билан бирга Менга назр
қилиб олиб кел. 4 Ҳорун билан ўғилларини Учрашув чодири кираверишига олиб
кел. Ҳаммаларини ювинтир. 5 Сўнгра руҳонийлик либосларини ол. Ҳорунга
кўйлакни ва ридони, эфодни, кўкракпечни кийгиз*. Белига эфоднинг нафис
нақшинкор камарини боғла. 6 Кейин Ҳоруннинг бошига саллани кийгизиб,
салланинг устига олтин лавҳани — уни бошқалардан ажратиб турадиган
муқаддаслик рамзини ўрнаштир. 7 Сўнгра муқаддас қиладиган мойни* олиб,
унинг бошига сурт ва уни Менинг хизматимга бағишла. 8 Ҳоруннинг ўғилларини
олиб келиб, уларга кўйлакни кийгизиб, 9 бошларига пешанабоғ боғла. Ҳорун
билан ўғилларига яна белбоғ боғла. Доимий қонун–қоида бўйича руҳонийлик
уларники бўлади.

Сўнг Ҳорун ва унинг ўғилларини руҳонийлик хизматига тайинла. 10 Буқани
Учрашув чодири олдига олиб кел. Ҳорун билан ўғиллари эса буқанинг бошига
қўлларини қўйишгач, 11 Учрашув чодирига кираверишда Мен, Эгангизнинг
ҳузурида буқани сўй. 12 Буқанинг қонидан олиб, бармоғинг билан қурбонгоҳнинг
шохларига* қонни сурт. Ортган қоннинг ҳаммасини эса қурбонгоҳнинг ёнига тўк.
13 Ичак–човоқларини қоплаб турган ҳамма ёғларини, жигарнинг аъло қисмини*,
иккала буйрагини ва буйрак атрофидаги ёғларини олиб, қурбонгоҳда куйдир.
14 Буқанинг гўштини, терисини, чиқиндиларини қароргоҳдан ташқарига олиб
чиқиб куйдир. Бу гуноҳ қурбонлигидир*.

15 Сўнгра қўчқорнинг биттасини олиб кел. Ҳорун билан ўғиллари қўчқорнинг
бошига қўлларини қўйишгач, 16 қўчқорни сўйиб, қонидан олгин–да,
қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига сеп. 17 Қўчқорнинг танасини бўлаклаб,
ичак–човоқларини, оёқларини юв. Қўчқорнинг бу аъзоларини бўлакланган
танаси ва калласи устига қўйиб, 18 қўчқорни қурбонгоҳда куйдир. Оловда
куйдирилган бу қурбонликдан Мен, Эгангизга ёқимли ҳид келади.

19 Кейин иккинчи қўчқорни олиб кел. Ҳорун билан ўғиллари қўлларини
қўчқорнинг бошига қўйгач, 20 қўчқорни сўйиб, қонини ол. Сўнгра Ҳорун билан
ўғилларининг ўнг қулоғи солинчагига*, ўнг қўлининг бош бармоғига, ўнг
оёғининг бош бармоғига қон сурт. Сўнгра қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига
қон сеп. 21 Кейин қурбонгоҳдаги қондан, муқаддас қиладиган мойдан олиб, Ҳорун
билан ўғилларига, ҳаммаларининг руҳонийлик либосларига сачрат. Шундай
қилиб, Ҳорун билан ўғиллари, ҳаммаларининг либослари муқаддас бўлади.

22 Бу қўчқор Ҳорун ва унинг ўғилларини руҳонийликка тайинлаш маросимида

фойдаланилади. Шунинг учун қўчқорнинг ўнг сонини, ичак–човоқларини қоплаб турган ҳамма ёғларини, жигарнинг аъло қисмини, иккала буйрагини ва буйрак атрофидаги ёғларни ол. 23 Яна Мен, Эгангизнинг ҳузуридаги саватдан сифатли буғдой унидан қилинган хамиртурушсиз нондан биттасини, зайтун мойи қўшилган хамиртурушсиз нондан биттасини ва зайтун мойи суртилган хамиртурушсиз чалпакдан биттасини ол.

24 Буларнинг ҳаммасини Ҳорун ва ўғилларининг қўлларига қўй. Буларни улар Мен, Эгангизга бағишлаганларини кўрсатиш учун юқорига кўтаришсин. 25 Сўнгра бу ҳамма назрларни уларнинг қўлларидан олиб, қурбонгоҳда биринчи куйдириладиган қўчқор билан куйдир. Оловда куйдирилган бу назрлардан ҳам Мен, Эгангизга ёқимли ҳид келади.

26 Сўнгра руҳонийликка тайинлаш маросимида фойдаланиладиган ўша иккинчи қўчқорнинг тўшини олиб, Мен, Эгангизга бағишлаганини кўрсатиш учун юқорига кўтар. Буниси сенинг улушинг бўлади.

27 Ҳорун ва унинг ўғиллари Менинг ҳузуримда руҳонийликка тайинланиш маросимида қўчқорнинг юқорига кўтариладиган қисмлари — тўши ва сони муқаддас деб қаралади. 28 Келгусида Исроил халқи Мен, Эгангизга тинчлик қурбонликлари қилганларида, бу қисмлар Ҳорун ва унинг ўғилларига доимий улуш қилиб берилсин.

29 Ҳоруннинг муқаддас руҳонийлик либослари ўзидан кейин унинг наслариники бўлсин. Ҳоруннинг наслларига шу либосларда мой суртилиб, шу либосларда улар олий руҳонийликка тайинланадилар. 30 Ҳоруннинг ўрнига олий руҳоний бўлиб Муқаддас хонада хизмат қилиш учун Учрашув чодирига кирадиган ўғли бу либосларни етти кун кийиб юрсин.

31 Энди руҳонийликка тайинланиш маросимида қурбонлик қилинган қўчқорнинг гўштини олиб, муқаддас жойда қайнат. 32 Ҳорун билан ўғиллари Учрашув чодирига кираверишда қўчқор гўштидан ва саватдаги нонлардан* тановул қилишсин. 33 Фақат улар бу гўштдан ва нондан тановул қила оладилар. Ҳорун ва унинг ўғилларини руҳонийликка тайинлаш ва бағишлаш маросимида уларни гуноҳдан поклаш учун ўша нон ва гўштдан фойдаланилади. Бу гўшт ва нон муқаддас бўлгани учун руҳоний бўлмаган одамлар булардан тановул қила олмайди. 34 Агар руҳонийликка тайинланиш маросимида қурбонлик қилинган ҳайвон гўштидан ва нонлар назридан эрталабгача қолса, қолганларини оловда куйдир. Булар муқаддас бўлгани учун тановул қилиш мумкин эмас.

35 Мен сенга амр этганимдай, етти кун давомида ҳар куни Ҳорун ва унинг ўғиллари учун руҳонийликка тайинланиш маросимини такрорла. 36 Уларни гуноҳларидан поклаш учун ҳар куни буқани қурбонлик қил. Қурбонгоҳни поклаш учун маросим ўтказ. Қурбонгоҳга мойдан суртиб, муқаддас қил. 37 Етти кун давомида ҳар куни шундай қил. Ана шунда қурбонгоҳ ғоят муқаддас бўлади. Биронтаси ёки бирон нарса қурбонгоҳга тегиб кетса ҳам, у муқаддас бўлади.

Кундалик назрлар тўғрисида кўрсатмалар

38 Ҳар куни иккита бир ёшли қўзини қурбонгоҳда қурбонлик қилиб куйдир. 39 Битта қўзини эрталаб, иккинчисини кечқурун қурбонлик қил. 40-41 Ҳар бир қўзига қўшиб, икки коса* тоза зайтун мойи аралаштирилган тўрт коса* сифатли унни дон назри қилиб келтир. Шу билан бирга, икки коса шароб назрини ҳам келтир. Оловда куйдириладиган бу қурбонликлардан Мен, Эгангизга ёқимли ҳид келади. 42 Куйдириладиган бу икки қурбонлик Мен, Эгангизнинг ҳузурида Учрашув чодирига кираверишда авлодлар оша қилинсин. Ўша ерда Мен сен билан учрашиб, гаплашаман.

43 Учрашув чодирида Мен зоҳир бўлиб, Исроил халқи билан учрашаман,
улуғворлигимдан бу жой муқаддас бўлади. 44 Мен Учрашув чодирини ва
қурбонгоҳни муқаддас қиламан. Ҳорун билан ўғиллари руҳоний бўлиб Менга
хизмат қилишлари учун уларни ҳам муқаддас қиламан. 45 Мен Исроил халқи
орасида истиқомат қиламан, уларнинг Худоси бўламан. 46 Шунда улар Эгаси Худо
Мен эканлигимни билиб оладилар. Ахир, Мен Исроил халқи орасида истиқомат
қилай деб, уларни Миср юртидан олиб чиққанман. Мен уларнинг Эгаси Худоман.

30–БОБ

Тутатқи қурбонгоҳига оид кўрсатмалар

1 Тутатқи тутатиш учун акас ёғочидан* қурбонгоҳ* ясат. 2 Қурбонгоҳ
тўртбурчак, узунлиги бир тирсак, эни ҳам бир тирсак, бўйи эса икки тирсак*
бўлсин. Қурбонгоҳнинг тўртала бурчагига ўзидан йўниб чиқарилган биттадан
шох ясат. 3 Қурбонгоҳнинг устини, ён–атрофини, шохларини тоза олтин билан
қоплат, айланаси бўйлаб олтиндан гулчамбар ясат. 4-5 Қурбонгоҳнинг икки
томонидаги гулчамбарнинг остига иккита олтин ҳалқа ўрнаштир. Акас ёғочидан
иккита хода ясатиб, уларни олтин билан қоплат. Бу ходаларни ҳалқалардан
ўтказиб, қурбонгоҳни кўтариб юришда фойдалан. 6 Тутатқи қурбонгоҳини Аҳд
сандиғининг* қопқоғи олдида осилиб турадиган ички парданинг ташқарисига
қўйдир. Бу жой — сен билан Мен учрашадиган жойнинг ташқарисида.
7 Ҳорун ҳар куни эрталаб мойчироқлардан хабар олганда бу қурбонгоҳда
хушбўй тутатқи тутатсин. 8 У кечқурун мойчироқлардан хабар олганда ҳам
тутатқи тутатсин. Бу тутатқи назрлари сизларнинг авлодларингиз оша Мен,
Эгангизнинг ҳузурида ҳар куни тутатилиши лозим. 9 Бу қурбонгоҳда фақат
муқаддас тутатқини* тутатинглар. Тутатқи қурбонгоҳида куйдириладиган
қурбонлик келтирманглар, дон назри ёки шароб назри ҳам қилманглар. 10 Ҳорун
бир йилда бир марта* қурбонгоҳни поклаш маросимини ўтказсин. Бунинг учун
гуноҳ қурбонлигининг қонидан қурбонгоҳнинг тўртала шохига суртиб,
қурбонгоҳни покласин. Бу маросим ҳар йили авлодлар оша қилиниши лозим. Бу
қурбонгоҳ Мен, Эгангизга бағишланган ғоят муқаддас қурбонгоҳдир.”

Муқаддас чодир учун тўловлар

11 Сўнгра Эгамиз Мусога яна гапирди: 12 “Исроилда эркакларни рўйхатга
олганингда, уларнинг ҳар бири Мен, Эгангизга ҳимоя қиладиган тўлов* тўласин.
Шунда сен уларни санаганингда, уларга кулфат келтирмайман. 13-14 Рўйхатга
киритиладиган йигирма ва ундан юқори ёшдаги ҳар бир одам 1,25 мисқол
кумушдан* Мен, Эгангизга назр қилиши лозим. 15 Улар ўзларини Менинг
ҳукмимдан ҳимоя қиладиган назрни* берганларида, бой одам ўшандан кўп
бермасин, камбағал ҳам ўшандан оз бермасин. 16 Бағишланган бу кумушни
Учрашув чодирини ясаш учун сарф қил. Мен, Эгангизнинг ҳузурида бу кумуш
Исроил халқига ҳукмимдан ҳимоя қиладиган назр берилганини эслатиб туради.”

Бронза қўлювгичга оид кўрсатмалар

17 Эгамиз Мусога яна гапирди: 18 “Ювиниш учун бронзадан қўлювгич ясат.
Қўлювгичнинг таглиги ҳам бронзадан бўлсин. Қўлювгични Учрашув чодири
билан қурбонгоҳ ўртасига ўрнатиб, унга сув қуй. 19-20 Ҳорун билан унинг ўғиллари
Учрашув чодирига кираётганларида, қўлювгичдаги сув билан қўлларини ва
оёқларини ювишсин. Шунда улар нобуд бўлмайди. Қурбонгоҳда куйдиргани
назрлар олиб келиб Мен, Эгангизга хизмат қилганларида ҳам, 21 албатта

қўл–оёқларини ювишсин. Шунда улар нобуд бўлмайди. Бу Ҳорун ва унинг насллари учун авлодлари оша доимий қонун бўлсин.”

Муқаддас қиладиган мойга оид кўрсатмалар

22 Эгамиз Мусога яна айтди: 23 “Қуйидаги энг яхши хушбўй зираворлардан ол:
1250 мисқол* суюқ мирра*, 625 мисқол* долчин, 625 мисқол қамиш 24 ва 1250
мисқол кассия*. Саккиз коса* зайтун мойи олиб, 25 уста одам хушбўй мой
тайёрлаш учун зираворларни мой билан аралаштирсин. Бу муқаддас қиладиган
мойдир. 26 Бу мойни Учрашув чодирига, Аҳд сандиғига, 27 хонтахтага ва
хонтахтанинг ҳамма буюмларига, чироқпояга ва унинг ҳамма буюмларига,
тутатқи қурбонгоҳига, 28 қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳга ва унинг ҳамма
буюмларига, қўлювгичга ва унинг таглигига сурт. 29 Шу тариқа бу нарсаларни
Менга бағишла. Шунда улар ғоят муқаддас бўлади. Бирон таси ёки бирон нарса
уларга текканда, муқаддас бўлади. 30 Сўнг Ҳорун билан ўғилларига бу мойдан
суртиб, уларни бағишла, токи улар руҳоний бўлиб Менга хизмат қилишсин.
31 Исроил халқига эса Менинг шу гапимни етказ:

— Муқаддас қиладиган мой сизларнинг бутун авлодларингиз оша Менга
бағишлансин. 32 Бу мой руҳоний бўлмаган одамнинг танасига суртилмаслиги
керак. Шу таркибдаги мой аралашмасини сизлар тайёрламанглар. Чунки бу мой
муқаддасдир, сизлар бунга муқаддас деб қарашингиз лозим. 33 Кимки бунга
ўхшаш ҳидли мойни тайёрласа ёки бу мойдан руҳоний бўлмаган одам устига
суртса, у Исроил халқи орасидан йўқ қилинади.”

Хушбўй ҳидли тутатқига оид кўрсатмалар

34-35 Эгамиз яна Мусога гапирди: “Қуйидаги хушбўй зираворларни олиб,
уларни аралаштир: елимдан қилинган зиравор, молюска қобиғидан қилинган
зиравор, хилвон. Сўнгра уста одам тоза хушбўй тутатқидан, хушбўй аралашмадан
бир ўлчовда олсин. Уларни туз билан аралаштириб, тоза, муқаддас бўладиган
тутатқи қилсин. 36 Бу тутатқидан бир қисмини олиб, майда қилиб туйгин ва Мен
сен билан учрашадиган Учрашув чодиридаги Аҳд сандиғи* олдига қўй. Бу
тутатқини сизлар ғоят муқаддас деб билишингиз лозим. 37 Ўша таркибдаги
тутатқи аралашмасини ўзларингиз учун қилманглар. Буни Мен, Эгангизга
бағишланган муқаддас тутатқи деб билинг. 38 Кимки тутатгани ўзича шунга
ўхшаган тутатқи қилса, у Исроил халқи орасидан йўқ қилинади.”

31–БОБ

Эгамиз Муқаддас чодирни ясаш учун моҳир усталарни танлайди

1 Эгамиз Мусога яна гапирди: 2 “Ана, Мен Яҳудо қабиласидан Уриннинг ўғли,
Хурнинг набираси Базалилни танладим. 3 Мен уни Руҳим билан тўлдириб,
ҳунармандчиликнинг ҳамма тури бўйича моҳир ва идрокли қилдим, қобилият ато
этдим. 4 У ажойиб бадиий безаклар қилишга, безакларга олтин, кумуш ва бронза
билан ишлов беришга, 5 қимматбаҳо тошларни ўйишга, уларга ишлов бериб
жиҳозлашга, ёғоч ўймакорлигига, бадиий ҳунармандчиликка лаёқатлидир. 6 Дан
қабиласидан Охисамах ўғли Охолиёвни унга ёрдамчи қилиб танладим. Мен ҳамма
ҳунармандларга лозим даражада қобилият ато қилганман. Мен сенга амр берган
қуйидаги ашёларни улар ясайдилар ва тикадилар:

7 Учрашув чодирини,
Аҳд сандиғи* ва Сандиқнинг қопқоғини,
Чодирнинг бошқа ҳамма жиҳозлари 8 — хонтахта, хонтахтанинг буюмлари,

тоза олтиндан чироқпоя ва чироқпоянинг ҳамма буюмларини, тутатқи
қурбонгоҳини, [9] қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ ва
қурбонгоҳнинг ҳамма буюмларини, қўлювгич ва қўлювгичнинг
таглигини,
[10] руҳоний Ҳорун учун ажойиб қилиб тикилган муқаддас либосларни,
унинг ўғиллари руҳоний бўлиб хизмат қилганларида киядиган
либосларни,
[11] муқаддас қиладиган мой* ва Муқаддас хона учун хушбўй тутатқини.

Мен сенга қандай амр этган бўлсам, улар худди шундай қилиб бажаришсин.”

Шаббат куни тўғрисидаги амр

[12] Сўнгра Эгамиз Мусога айтди:

[13] — Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Менга бағишланган Шаббат кунига риоя қилиб юринглар. Авлодларингиз оша Шаббат куни Мен билан сизларнинг орангизда аломат бўлиб хизмат қилади. Шу орқали Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар. Сизларни Мен муқаддас қилиб бошқалардан ажратаман. [14] Шаббат кунига риоя қилиб юринглар, бу кунни муқаддас деб билинглар. Кимки бу кунни иззат қилмаса, ўша одамнинг жазоси ўлимдир. Кимки ўша куни ишласа, у Исроил халқи орасидан йўқ қилинади. [15] Ҳамма ишларингизни бажаришингиз учун олти кун бор. Еттинчи кун — Шаббат куни эса ҳамма ишлардан тиниб, Мен, Эгангизга атаб ажратилган кундир. Ким Шаббат куни ишласа, ўшанинг жазоси ўлимдир. [16] Исроил халқи авлодлар оша Шаббат қонун–қоидаларига итоат этиш орқали бу кунга риоя қилиб юришлари лозим. [17] Бу сен билан Менинг ўртамиздаги аҳднинг доимий аломатидир, Мен, Эгангиз, олти кун давомида ер ва осмонни яратиб, еттинчи куни тиниб, ором олганимни доимо эслатиб туради.”

[18] Шундай қилиб, Худо Синай тоғида Мусо билан гапини тугатиб*, унга иккита тош лавҳани берди. Лавҳаларга битилган аҳднинг* амр ва қонунларини Худонинг Ўзи ёзган эди.

32–БОБ

Олтин буқа

[1] Мусо тоғда узоқ қолиб кетди*. Халқ Мусонинг тоғдан қайтиб тушавермаганини кўргач, Ҳоруннинг ёнига йиғилишиб, унга айтишди:

— Қани, бизга худо ясаб бер, у бизни йўлда бошлаб борсин. Бизни Мисрдан олиб чиққан ўша одамга — Мусога нима бўлганини билолмаяпмиз.

[2] Шунда Ҳорун одамларга:

— Хотинингиз ва ўғил–қизларингиз қулоқларидаги олтин сирғаларни ечиб олиб, менга келтиринглар, — деди.

[3] Шундан кейин жамики халқ қулоқларидаги олтин сирғаларни ечиб, Ҳорунга олиб келди. [4] Ҳорун буқа ясади. Халқдан олган олтин сирғаларни эритиб, асбоб ёрдамида буқани олтин билан қоплади*. Шунда одамлар дедилар:

— Эй Исроил! Мана бизни Мисрдан олиб чиққан худойимиз!

[5] Ҳорун буни кўргач, олтин буқанинг олдига қурбонгоҳ қурди. Кейин: “Эртага Эгангизга бағишланган байрам бўлади”, деб эълон қилди. [6] Эртаси куни халқ саҳарда туриб, куйдириладиган қурбонликларни ва тинчлик қурбонликларини келтирди. Ўтириб еб–ичишганидан кейин кўнгилхушлик қилишди.

[7] Шунда Эгамиз Мусога айтди:

— Ҳозироқ туш! Ўзинг Мисрдан олиб чиққан халқинг йўлдан озди. [8] Улар Мен амр этган йўлдан дарров оғдилар. Ўзларига буқанинг тасвирини ясаб, унга сажда қилиб, қурбонликлар келтириб: “Эй Исроил! Мана бизни Мисрдан олиб чиққан худойимиз!” — дедилар.

[9] Эгамиз Мусога яна гапирди:

— Ўша халқнинг нақадар ўжарлигини кўриб турибман. [10] Энди Мени тўхтатаман деб овора бўлма, бу халққа шунақанги ғазабимни сочаманки, уларни қириб ташлайман. Эй Мусо, уларнинг ўрнига сендан буюк халқ яратаман.

[11] Шунда Мусо Эгаси Худога:

— Эй Эгам! — деб ёлворди, — ахир, бу халқни буюк куч–қудратинг билан Мисрдан Ўзинг олиб чиққансан–ку! Ўз халқингга Ўзинг ғазабингни сочмагин! [12] Мисрликлар: “Эгаси уларни ёмон ният билан — тоғларда ўлдириш учун, ер юзидан қириб ташлаш учун бу ердан олиб чиққан экан”, деб айтишмасин! Қўйгин, бу ниятингдан қайтгин, ғазабингни сочиб, Ўз халқингни қириб ташламагин. [13] Ўз қулларинг Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга* айтганларингни ёдингда тутгин. Сен уларга: “Сизларнинг наслингизни осмондаги юлдузлар сингари кўпайтираман, Мен ваъда қилган ҳамма ерни наслингизга бераман, улар ўша юртга то абад эгалик қиладилар”, деб Ўз номинг билан онт ичган эдинг–ку!

[14] Шундай қилиб, Эгамиз ниятини ўзгартириб, айтган кулфатларни Ўз халқининг бошига келтирмайдиган бўлди.

[15] Мусо тоғдан қайтиб тушди. У қўлига аҳднинг* иккита тош лавҳасини кўтариб олган эди. Лавҳаларнинг иккала томонига ҳам амр ва қонунлар битилганди. [16] Бу лавҳалар Худонинг ижоди бўлиб, лавҳалардаги ёзувни Худо ўйиб битган эди. [17] Ёшуа халқнинг шовқин–суронини эшитиб, Мусога: “Қароргоҳда уруш шовқин–сурони эшитиляпти”, деб айтди. [18] Шунда Мусо деди:

— Бу ғолибларнинг ҳайқириғи эмас, мағлубларнинг фарёди ҳам эмас, эшитганим — ишратпарастлар қўшиғи.

[19] Мусо қароргоҳга яқинлашиб, буқани, одамларнинг кўнгилхушлигини кўрди. Шунда у ғазабланиб, тоғ этагида қўлидаги лавҳаларни улоқтирган эди, лавҳалар чилпарчин бўлди. [20] Мусо Исроил халқи ясаган буқани олиб, оловда ёқди. Уни эзиб, кукун қилди–да, сувга сочди*. Сувни Исроил халқига ичирди. [21] Мусо Ҳорунга:

— Бу халқ сенга нима қилган эдики, уларни оғир гуноҳга ботирибсан? — деди.

[22] — Ғазабланманг, ҳазратим, — деди Ҳорун унга. — Бу халқнинг ёмонлик қилишга мойиллигини биласиз–ку! [23] Улар менга: “Бизга худо ясаб бер, у бизни йўлда бошлаб борсин, чунки бизни Мисрдан олиб чиққан ўша одамга — Мусога нима бўлганини билолмаяпмиз”, деб айтишди. [24] Мен эса уларга: “Кимнинг олтин сирғалари бўлса, уларни менга олиб келинглар”, деган эдим, улар олтин сирғаларини олиб, менга келтирдилар. Олтинларни оловга ташлаганимда, олов ичидан мана шу буқа келиб чиқди.

[25] Мусо кўрдики, Ҳорун халқни назорат қилмай, душманлари олдида ўзларини масхара қилишларига йўл қўйиб берган эди. [26] Мусо қароргоҳнинг кираверишига келиб:

— Ким Эгамиз томонда бўлса, менинг ёнимга келсин! — деб буюрди. Левилар унинг ёнига тўпланди. [27] Мусо уларга деди:

— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: “Ҳар бирингиз қиличингизни олинг. Қароргоҳнинг ҳамма ёғини айланиб, биродарингизни, қўшнингизни ва яқин қариндошингизни ўлдиринг*.”

[28] Левилар Мусонинг буйруғини бажардилар. Шу куни Исроил халқидан

тахминан уч мингта одам ҳалок бўлди. 29 Мусо левиларга:
— Бугун Эгам сизларга марҳамат қилиб, сизларни Ўзининг хизматига тайинлади, — деди. — Ҳатто ўғилларингизни, ака–укаларингизни ўлдиришга тўғри келган бўлса ҳам, сизлар Унга итоат этдингиз.
30 Эртаси куни Мусо халққа деди:
— Сизлар оғир гуноҳ қилдингизлар. Энди мен тоққа Эгамизнинг олдига чиқаман, балки сизларни гуноҳларингиздан покларман.
31 Мусо Эгамизнинг олдига қайтиб бориб, шундай деди:
— Эвоҳ! Бу халқ оғир гуноҳ қилибди: ўзларига олтиндан худо ясабди. 32 Аммо энди, уларнинг гуноҳини кечиргин, деб Сенга илтижо қиламан. Агар кечирмасанг, Ўзинг ёзган китобдан менинг номимни ўчириб ташлагин.
33 Шунда Эгамиз Мусога айтди:
— Ким Менга қарши гуноҳ қилган бўлса, ўшанинг номини Ўзимнинг китобимдан ўчириб ташлайман. 34 Энди бор, бу халқни Мен сенга айтган жойга бошла. Менинг фаришtам сендан олдинда боради. Шунга қарамай, Ўзим белгилаган кунда Мен уларни қилган гуноҳи учун жазолайман.
35 Шундай қилиб, Эгамиз уларнинг бошига кулфат юборди, чунки Исроил халқи Ҳорунга, бизга буқа ясаб бер, деб талаб қилган эдилар. Ҳорун уларнинг талабини бажарганди.

33–БОБ

Эгамиз Исроил халқига, Синайни тарк этинглар, деб амр беради

1 Кейин Эгамиз Мусога айтди:
— Қани, сен ҳам, Мисрдан ўзинг олиб чиққан халқинг ҳам бу жойдан кетинглар. Ота–боболарингиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга Мен: “Сизларнинг наслингизга бераман”, деб қасам ичган юртга боринглар. 2 Сендан олдинда фаришtани юбориб, Канъон, Амор, Хет, Париз, Хив ва Ёбус халқларини ҳайдайман. 3 Сут ва асал оқиб ётган ўша юртга* кетинглар. Аммо Мен сизлар билан бормайман, чунки сизлар ўжар халқсиз. Сизлар билан борсам, сизларни йўлда ҳалок қилиб ташлашим мумкин. 4-5 Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Сизлар ўжар халқсиз. Агар Мен бир лаҳза сизлар билан борсам, сизларни қириб ташлашим мумкин. Энди зеб–зийнатларингизни ечиб қўйинглар. Мен сизларни нима қилишим тўғрисида бир қарорга келаман.”
Халқ бу ваҳимали гапни эшитгач, дод солиб йиғлади. Ҳеч ким зеб–зийнатларини тақмади. 6 Шундай қилиб, Исроил халқи Синай тоғида* зеб–зийнатларини ечиб қўйди. Ўшандан кейин улар зеб–зийнатларини бошқа тақмадилар.

Қароргоҳнинг ташқарисидаги чодир

7 Мусо бир чодирни қароргоҳнинг ташқарисига — қароргоҳдан узоқроққа олиб бориб ўрнатди. Бу чодирга у Учрашув чодири* деб ном берди. Эгамиздан маслаҳат сўрамоқчи бўлган ҳар бир одам ўша ерга келарди. 8 Мусо Учрашув чодирига борганда, бутун халқ туриб, ўз чодирининг кираверишида чиқиб турарди. Мусо чодирга кириб кетгунча, ҳамма тик турганича унинг орқасидан қараб турарди. 9 Мусо чодирга кириб, Эгамиз Мусо билан гаплашганда, устун шаклидаги булут пастга тушиб, чодирнинг кираверишида турарди. 10 Бутун халқ буни кўрганда, ўз чодирлари кираверишида мук тушиб таъзим қиларди.
11 Бирортаси дўсти билан гаплашгандай, Эгамиз ҳам Мусо билан юзма–юз* гаплашарди. Кейин Мусо қароргоҳга қайтиб келар, унинг ёш ёрдамчиси Нун ўғли

Ёшуа эса чодирни тарк этмасди.

Эгамиз Ўз халқи билан бирга бўлишга ваъда беради

12 Шундан кейин Мусо Эгамизга айтди:

— Сен: “Бу халқни бошлаб олиб кет”, деб менга амр бердинг–у, лекин биз билан кимни юборишингни айтмадинг. Яна: “Мен сени танладим, сен ҳақиқатан Мендан марҳамат топгансан”, деган эдинг. 13 Агар мен Сендан марҳамат топган бўлсам, илтижо қиламан: менга йўлларингни кўрсатгин. Сендан марҳамат топиб юришим учун Сени билайин. Бу халқ Ўзингнинг халқинг эканини ёдингда тутгин.

14 Эгамиз Мусога деди:

— Мен сизлар билан бораман. Сизларга тинчлик ато қиламан.

15 Мусо эса Эгамизга айтди:

— Агар Сен биз билан бормайдиган бўлсанг, бизни бу ердан олиб чиқмагин. 16 Бўлмаса, мен ва халқингдан мамнун эканлигинг нимадан билинади? Биз билан бирга борганингдан эмасми?! Ер юзидаги ҳамма халқлардан бизнинг фарқимиз ҳам шу эмасми?!

17 Шунда Эгамиз Мусога айтди:

— Сен нимани сўраган бўлсанг, Мен шуни қиламан. Чунки сен Мендан марҳамат топгансан. Мен сени танладим.

18 — Илтижо қиламан: менга улуғворлигингни зоҳир қилгин, — деди Мусо.

19 — Мен Ўзимни сенга маълум қиламан*. Мен сенинг олдингдан ўтиб, бутун эзгулигимни сенга зоҳир қиламан, — деди Эгамиз Мусога. — Марҳамат қиладиганимга марҳамат қиламан, шафқат қиладиганимга шафқат қиламан. 20 Лекин Менинг юзимни* кўра олмайсан. Мени кўрган одам тирик қолмайди. 21 Менга яқин жойда қоя бор. Ўша қоянинг устида тур! 22 Мен ўтаётиб улуғворлигимни зоҳир қилганимда, сени қоянинг ёриқ жойига қўяман. Ўтиб кетгунимча сени қўлим билан тўсиб тураман. 23 Кейин қўлимни оламан. Сен Мени орқамдан кўрасан. Юзимни эса кўрмайсан.

34–БОБ

Эгамиз халқ билан тузган аҳдни тасдиқлайди

1 Эгамиз Мусога амр берди:

— Иккита тош лавҳани кесиб ол. Улар олдингиларига ўхшаган бўлсин. Мен ўша тош лавҳаларга сен синдирган лавҳалардаги амрларни ёзаман. 2 Эрталабга тайёр бўл, Синай тоғига чиқиб, тоғ чўққисида Мени кутиб олишга ҳозир бўлиб тур. 3 Лекин сен билан бирга ҳеч ким чиқмасин. Тоғнинг бирор жойида ҳеч ким бўлмасин. Тоғнинг яқинида ҳаттоки мол–қўйлар ҳам боқилмасин.

4 Эгамиз амр этгандай, Мусо олдингиларига ўхшаган иккита тош лавҳани кесди. Эртасига саҳарда туриб, қўлига иккала тош лавҳани олиб, Синай тоғига чиқди. 5 Эгамиз булут ичида тушиб келди. Мусо билан бирга туриб, Ўзини Мусога маълум қилди*. 6 Мусонинг олдидан ўтиб, баланд овоз билан гапирди:

— Мен Эгангман! Мен Эгангман!* Раҳмдил ва иноятли, жаҳли тез чиқмайдиган Худоман, севгим ва садоқатим мўлдир. 7 Минг–минг авлодларга* содиқ севгимни кўрсатавераман. Фосиқликни, исённи ва гуноҳларни кечираман. Лекин айбдорларни асло жазосиз қолдирмайман. Мен уларни жазолайман, уларнинг гуноҳлари оқибатидан фарзандлари, набиралари ва чеваралари ҳам қочиб қутулмайди.

8 Ўша заҳоти Мусо икки букилиб таъзим айлаб, сажда қилди. 9 Сўнгра:

— Ё Раббий! — деди. — Агар мен Сендан марҳамат топган бўлсам, илтижо

қиламан, Сен биз билан боргин. Бу халқ ўжар бўлса ҳам, фосиқлигимизни ва гуноҳларимизни кечиргин, бизни Ўзингнинг халқинг қилиб қабул эт.

10 Эгамиз айтди: “Мен энди Исроил халқи билан аҳд тузаман. Бутун халқинг кўзи олдида ажойиботлар кўрсатаман. Бунақа ажойиботлар ер юзида ёки бирон та халқ орасида бўлмаган. Мен, Эгангиз, сизларга кўрсатадиган ўша даҳшатли ишни сен билан бирга бўлган бутун халқ кўради. 11 Мен сизларга бугун берадиган амрларга итоат қилинглар. Мен сизларнинг олдингиздан Амор, Канъон, Хет, Париз, Хив ва Ёбус халқларини қуваман. 12 Эҳтиёт бўлинглар, сизлар кирадиган юртнинг аҳолиси билан сулҳ тузманглар. Бўлмаса, сизларни тузоғига илинтириб олади. 13 Сизлар уларнинг қурбонгоҳларини бузинглар, бутсимон тошларини майдалаб ташланглар, Ашерага* аталган устунларни кесиб ташланглар. 14 Бошқа худоларга сажда қилманглар. Мен, Эгангизнинг номи Рашкчидир: Мен сизларнинг севгингизни бошқа худолар билан баҳам кўрмайдиган Худоман.

15 Ўша юртнинг аҳолиси билан сулҳ тузманглар. Улар ўз худолари ортидан ҳирс билан эргашадилар. Улар билан сулҳ тузсангиз, ўз худоларига қурбонликлар келтираётганларида сизларни ҳам ўзларига қўшилишга таклиф қиладилар. Сизлар улар билан бориб, қурбонликларидан тановул қиласиз. 16 Кейин уларнинг қизларини ўғилларингизга олиб берасизлар. Улар ўз худоларига ҳирс билан сажда қилганда, ўғилларингизни ҳам ўша худоларга ҳирс қўйишга бошлайдилар.

17 Ўзларингизга худолар тасвирларини* ясаманглар.

18 Хамиртурушсиз нон байрамини ҳар йили нишонланглар. Мен сизларга амр этганимдай, Абиб ойининг* белгиланган вақтида* етти кун хамиртурушсиз нон енглар, чунки сизлар Абиб ойида Мисрдан чиққансизлар.

19 Тўнғич ўғилларингиз, ҳамма чорвангизнинг — мол–қўйларингизнинг биринчи туғилган эркак боласи Меники. 20 Эшакнинг* туғилган биринчи эркак боласини Эгамиздан бир қўзи ёки улоқча эвазига сотиб олинглар. Агар эшакни қайтариб сотиб олмасликка қарор қилсангиз, эшакнинг бўйнини синдириб ўлдиришингиз керак. Сизлар Эгамиздан ҳамма тўнғич ўғилларни ҳам қайтариб сотиб олишингиз лозим*.

Ҳар ким Менинг ҳузуримга муносиб назрлар олиб келиши лозим*.

21 Ҳамма ишларингизни бажаришингиз учун олти кун бор. Еттинчи кун эса иш қилманглар. Ҳатто экин–тикин пайтида ҳам, ўрим–йиғим пайтида ҳам дам олинглар.

22 Ҳар йили буғдой ўримини йиғиштиришни бошлаганингизда, далангизга эккан уруғнинг илк ҳосилидан назр қилинглар. Шу орқали Ҳосил байрамини* нишонланглар. Кузда Чайла байрамини* нишонланглар.

23 Ҳамма эркакларингиз ҳар йили учала байрамда* Мен, Исроил халқининг Худоси — Эгангиз Раббийнинг ҳузурига келиб сажда қилсин. 24 Сизларнинг ерингиздан халқларни қуваман, чегараларингизни кенгайтираман. Ҳар йили уч марта* Мен, Эгангиз Худога сажда қилишга келганингизда, сизларнинг мулкингиз бўлган ерни ҳеч ким босиб олмайди.

25 Менга қилинган қурбонликнинг қонини хамиртуруш қўшилган нон билан бирга назр қилманглар. Фисиҳ зиёфатининг қурбонлик гўштини эрталабгача қолдирманглар.

26 Ерингиздан олган илк ҳосилнинг энг яхшисини Мен, Эгангиз Худонинг уйига олиб келинглар.

Улоқчани онасининг сутида қайнатманглар*.”

27 Кейин Эгамиз Мусога:

— Бу сўзларни ёзиб ол! — деб амр қилди. — Шу сўзларга биноан Мен сен

билан ҳамда Исроил халқи билан аҳд тузаман.
28 Мусо ўша ерда Эгамизнинг ҳузурида емай–ичмай, қирқ кечаю қирқ кундуз
бўлди. Эгамиз иккита тош лавҳага аҳд сўзларини — ўнта амрни ёзди.

Мусонинг юзидан нур ёғилади

29 Мусо қўлига иккита лавҳани* олиб, тоғдан тушди. У Худо билан гаплашгани
учун юзидан нур сочилар эди. Мусонинг ўзи эса буни билмасди. 30 Ҳорун ҳам,
жамики Исроил халқи ҳам Мусони кўриб, унинг юзидан нур ёғилиб тургани учун
бирортаси унга яқин келишга қўрқарди. 31 Мусо Ҳорунни ва барча жамоа
оқсоқолларини чақирди, улар Мусонинг олдига келишди. Мусо улар билан
гаплашгандан кейин, 32 жамики Исроил халқи унга яқинроқ келди. Мусо Синай
тоғида Эгамиз берган амрларни бажаришни халққа буюрди. 33 Мусо улар билан
гаплашиб бўлгандан кейин, юзига ёпинчиқ ёпиб олди.
34 Мусо Эгамизга гапириш учун Унинг ҳузурига борганда, юзидаги ёпинчиқни
олиб ташлар эди. У чиқиб, Эгамиз, айт, деб буюрган ҳамма амрни Исроил халқига
етказарди. Шунда Исроил халқи 35 Мусонинг юзи ҳамон нур сочиб турганини
кўрарди. Сўнгра Мусо кейинги сафар Эгамиз билан гаплашиш учун боргунига
қадар юзини ёпиб оларди.

35–БОБ

Шаббат куни тўғрисидаги амр

1 Сўнгра Мусо Исроил халқининг бутун жамоасини тўплаб, уларга гапирди:
— Сизларга Эгамизнинг амри шундай: 2 “Ҳамма ишларингизни бажаришингиз
учун олти кун бор. Еттинчи кун эса Эгамизга атаб ажратилган Шаббат кунидир.
Бу кунда ҳамма ишларингиздан тининглар. Кимки Шаббат куни ишласа, ўша
одамнинг жазоси ўлимдир. 3 Шаббат куни биронта масканингизда ҳам олов
ёқманглар.”

Муқаддас чодир ясаш учун тайёргарлик

4 Кейин Мусо Исроил халқининг бутун жамоасига айтди:
— Эгамиз сизларга қуйидагиларни амр этди: 5 “Мен, Эгангизга чин кўнгилдан
назр қилмоқчи бўлган одам ўз назрини олиб келсин. Халқ Менга қуйидагиларни
назр қилсин: олтин, кумуш, бронза, 6 шунингдек, кўк, сафсар ва қирмизи рангли
иплар, майин зиғир матоси, эчки жуни, 7 қизилга бўялган қўчқор териси, юмшоқ
тери*, акас ёғочи*, 8 мойчироқлар учун зайтун мойи, муқаддас қиладиган мой*
учун зираворлар, хушбўй тутатқи учун зираворлар, 9 эфод ва кўкракпечга
тақиладиган ақиқ ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар. 10 Ораларингиздан моҳир
усталар келиб, Мен, Эгангиз, амр қилган Муқаддас чодирни ясашсин. Чодир
қуйидаги ашёлардан иборат бўлсин:

11 Чодирнинг ички қавати, унинг ёпинчиқлари, илгаклари, ромлари,
тамбалари, устунлари ва тагликлари,
12 Сандиқ, унинг ходалари, қопқоғи ва Сандиқни тўсиб турадиган ички
парда,
13 хонтахта, унинг ходалари, ҳамма буюмлари ва унга қўйиладиган
муқаддас нонлар*,
14 ёруғ бўлиши учун чироқпоя, унинг буюмлари, мойчироқлари ва
мойчироқлар учун зайтун мойи,
15 тутатқи қурбонгоҳи ва унинг ходалари,
муқаддас қиладиган мой ва хушбўй тутатқи,

Муқаддас чодирга киравериштаги парда,
16 қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ, унинг бронза панжараси,
ходалари ва ҳамма буюмлари,
қўлювгич ва унинг таглиги,
17 ҳовлини тўсиб турадиган пардалар, пардаларни ушлаб турадиган
устунлар, устунларнинг тагликлари ва ҳовлига киравериштаги парда,
18 Муқаддас чодир билан ҳовли учун қозиқлар ва арқонлар,
19 Руҳоний Ҳорун ва унинг ўғиллари Муқаддас хонада хизмат қилганда
киядиган, ажойиб қилиб тикилган муқаддас либослар.”

Халқ Муқаддас чодир учун назрлар олиб келади

20 Шундай қилиб, Исроил халқининг бутун жамоаси Мусонинг ёнидан қайтиб
кетди. 21 Юраги завққа тўлган ҳар бир одам бориб, Учрашув чодирини ва Чодирда
доимий хизматларда фойдаланиладиган ашёларни қилиш учун, муқаддас
руҳонийлик либосларини тикиш учун Эгамизга назрлар олиб келишди. 22 Шундай
қилиб, юраги завқ–шавққа тўлган барча эркагу аёллар турли хил олтин
тақинчоқларни — жиға, сирға, узук, маржонларни олиб келишди. Буларни
Эгамизга бағишлаганларини кўрсатиш учун улар олтин тақинчоқларини юқорига
кўтардилар. 23 Кимда кўк, сафсар ва қирмизи ип, майин зиғир матоси, эчки жуни,
қизилга бўялган қўчқор териси, юмшоқ тери* бўлса, олиб келди. 24 Ким кумуш ёки
бронзани Эгамизга назр қилишга қодир бўлса, уни олиб келиб, Эгамизга назр
қилди. Кимда акас ёғочи бўлса, Чодирни ва унинг ашёларини тайёрлашда
фойдалангани олиб келди. 25 Ип йигиришга моҳир аёллар ўз қўллари билан
йигирган кўк, сафсар ва қирмизи ипни ҳамда майин зиғирдан йигирилган ипни
назр қилиб олиб келишди. 26 Эчки жунидан ип йигиришга моҳир аёллар юраги
завққа тўлиб, эчки жунидан ип йигириб олиб келдилар. 27 Оқсоқоллар эфод ва
кўкракпечга тақиш учун ақиқ ва бошқа қимматбаҳо тошлар, 28 шунингдек,
мойчироқлар, муқаддас қиладиган мой учун зираворлар, хушбўй тутатқи учун
зираворлар ва зайтун мойи олиб келишди. 29 Юраги завқ–шавққа тўлган Исроил
халқининг эркагу аёллари Мусо орқали Эгамиз амр этган ҳамма ишни бажаргани
Эгамизга кўнгилдан чиқариб назрлар олиб келишди.

Муқаддас чодирни ясайдиган моҳир усталар

30 Кейин Мусо Исроил халқига айтди*: “Ана, Эгамиз Яҳудо қабиласидан
Уриниng ўғли, Хурнинг набираси Базалилни танлади. 31 Эгамиз уни Ўз Руҳи билан
тўлдириб, ҳунармандчиликнинг ҳамма тури бўйича моҳир ва идрокли қилди,
қобилият ато этди. 32 У ажойиб бадиий безаклар қилишга ва буларга олтин,
кумуш ва бронза билан ишлов беришга, 33 қимматбаҳо тошларни ўйишга, уларга
ишлов бериб жиҳозлашга, ёғоч ўймакорлигига, бадиий ҳунармандчиликка
лаёқатли қилди. 34 Эгамиз Базалилга ва Дан қабиласидан Охисамахнинг ўғли
Охолиёвга ўз маҳоратини бошқаларга ўргатиш иқтидорини ато қилди. 35 Бу
одамлар ҳар қандай ишни бажара олсин деб, Эгамиз уларга маҳорат ато қилди.
Улар ҳар қандай ашёдан ҳар турли буюмлар қилишга қодирдир. Улар ижод қилиб,
буюмлар ясай оладилар, тўқишни биладилар, кўк, сафсар, қирмизи иплардан
фойдаланиб, майин зиғир матосига нақш солишни биладилар. Улар ҳар турли
ишларни бажаришга моҳир ҳунарманддирлар.

36–БОБ

1 Базалил, Охолиёв ва бошқа ҳамма иқтидорли усталар Эгамиз амр этган ҳамма
ишларни бажарсинлар. Муқаддас чодир ясашда талаб қилинган ҳар қандай

хизматни бажаришлари учун Эгамиз уларга маҳорат ва қобилият ато қилган.”
2 Мусо Базалилни, Охолиёвни ва Эгамиз қобилият ато қилган ҳамма
иқтидорли усталарни, юраги завққа тўлган одамларни чақирди.
3 Муқаддас чодирни ясаш учун Исроил халқи олиб келган ҳамма назрларни
Мусо усталарга берди. Булардан ташқари, халқ ҳар куни эрталаб Мусога
кўнгилдан чиқариб назрлар олиб келишарди. 4 Ишларни бажараётган ҳамма
усталар юмушларини ташлаб, 5 Мусонинг олдига келиб айтишди:
— Эгамиз бизга амр этган ишлар учун халқ керагидан ортиқ олиб келяпти.
6 Шунда Мусо: “Биронта эркак, аёл энди Муқаддас чодир учун назр олиб
келмасин”, деб буйруқ берди. Унинг буйруғи қароргоҳ бўйлаб эълон қилинди.
Шундан кейин халқ назр олиб келишни тўхтатди. 7 Халқнинг олиб келган
назрлари ишнинг ҳаммасини бажаришга етиб, ҳатто ортиб ҳам қолар эди.

Муқаддас чодир ясалади

8 Ишлаётганлар орасидаги энг моҳир одамлар Муқаддас чодирни* ясадилар:

Чодирнинг ички қавати

Моҳир тикувчилар Базалилнинг кўрсатмаси билан Чодирнинг ички қаватини
қилдилар. У майин зиғир матосидан тикилган ўнта чойшабдан иборат бўлди. Кўк,
сафсар ва қирмизи иплар билан карублар тасвирини маҳорат билан солиб, бу
чойшабларни безатдилар. 9 Ҳар бир чойшабнинг бўйи йигирма саккиз тирсак, эни
тўрт тирсак* эди. Ҳамма чойшабларнинг ўлчови бир хил эди. 10 Улар
чойшаблардан бештасининг бўйини бир–бири билан бирлаштириб тикдилар,
қолган бештасини ҳам шундай қилдилар. 11-12 Ҳосил бўлган икки узун бўлак
чойшабнинг бўйига кўк матодан элликтадан ҳалқа тикдилар. Ҳар икки томонга
тикилган ҳалқалар бир–бирига рўпарама–рўпара эди. 13 Кейин олтиндан элликта
илгак ясадилар, иккала чойшабнинг ҳалқаларини илгаклар билан бир–бирига
уладилар. Шунда Чодирнинг ички қавати бир бутун бўлди*.

Чодирнинг ташқи қопламалари

14 Муқаддас чодирнинг қопламаси учун эчки жуни матосидан ўн битта чойшаб
тикдилар. 15 Ҳар битта чойшабнинг бўйи ўттиз тирсак, эни тўрт тирсак* эди. Ўн
битта чойшабнинг ҳаммаси бир ўлчовда эди. 16 Чойшаблардан бештасининг
бўйини бир–бири билан бирлаштириб тикдилар, қолган олтитасини ҳам шундай
қилдилар. 17 Уланган икки бўлак чойшабнинг бир бўйига элликтадан ҳалқа
тикдилар. 18 Кейин, Чодирнинг қопламаси бир бутун бўлсин* деб, иккала
чойшабни бирлаштириш учун бронзадан элликта илгак ясадилар. 19 Бу қоплама
устига қўйиш учун қизилга бўялган қўчқор терисидан қоплама, сўнг юмшоқ
теридан* ташқи қоплама қилдилар.

Чодирни тутиб турадиган ром

20 Акас ёғочидан* Муқаддас чодирни тутиб турадиган ромлар* ясадилар. 21 Ҳар
бир ромнинг бўйи ўн тирсак, эни бир ярим тирсак* эди. 22 Ҳар бир ромнинг остида
бир–бирига параллель бўлган иккита тиргак ясадилар. 23 Чодирнинг жануб
томонидаги девор учун йигирмата ром ясадилар. 24 Бу ромлар остига қўйиш учун
кумушдан қирқта таглик — ҳар бир ром учун иккитадан таглик қилдилар, ҳар
бир тиргак остида битта таглик бўлди. 25 Чодирнинг шимол томонидаги девори
учун йигирмата ром ясадилар. 26 Ҳар бир ром остига қўйиш учун иккитадан, жами
қирқта кумуш таглик ясадилар. 27 Чодирнинг орқадаги — ғарб томонидаги девор
учун олтита ром, 28 Чодирнинг орқасида бурчаклар ҳосил қилиш учун ҳар икки
томонига яна биттадан ром ясадилар. 29 Бу иккала ромни пастдан ва юқоридан
туташган девордаги охирги ромга бирлаштирдилар. Битта бурчак ҳосил қилиши

учун битта ҳалқа билан яхлит қилиб бирлаштирдилар. Ҳар иккала бурчак шу йўл билан ҳосил қилинди. 30 Шундай қилиб, ўн олтита кумуш тагликка таянган саккизта ромдан орқадаги девор қилинди, ҳар бир ром остига қўйиш учун иккитадан таглик ясалди.

31 Муқаддас чодирнинг жануб томонидаги ромларни ушлаб туриш учун акас ёғочидан бешта тамба, 32 шимол томонидаги ромларни ушлаб туриш учун ҳам бешта тамба, орқа томони — ғарб томонидаги ромларни ушлаб туриш учун ҳам бешта тамба ясадилар. 33 Ромларнинг ярмигача ўрнаштирилган ўртадаги тамбалар Чодирнинг бошидан охиригача чўзилди. 34 Ромларни олтин билан қопладилар, тамбаларни ушлаб турадиган олтин ҳалқаларни ромларга бирлаштирдилар*, тамбаларни ҳам олтин билан қопладилар.

Чодирнинг ички пардаси

35 Майин зиғир матосидан ички пардани* тикдилар. Пардага кўк, сафсар ва қирмизи иплар билан карублар тасвирини маҳорат билан солиб, уни безатдилар. 36 Ички парда ушлаб турилиши учун акас ёғочидан тўртта устун ясадилар. Устунларга олтин қоплаб, уларга олтин илгакларни маҳкамладилар. Устунлар учун эритилган кумушдан тўртта таглик ясадилар.

Чодирнинг киришидаги парда

37 Чодирга кириш жойи учун майин зиғир матосидан пардани тикдилар. Парда устига кўк, сафсар ва қирмизи иплардан маҳорат билан нақш солдилар. 38 Бу парда ушлаб турилиши учун бешта устун ясадилар. Устунларнинг тепасини ва ҳалқаларини олтин билан қопладилар. Устунларнинг бешта таглигини эса бронзадан қилдилар.

37–БОБ

Аҳд сандиғи ва унинг қопқоғи ясалади

1 Базалилнинг кўрсатмаси билан акас ёғочидан* Сандиқ* ясадилар. Сандиқнинг узунлиги икки ярим тирсак, эни бир ярим тирсак, бўйи бир ярим тирсак* эди. 2 Сандиқнинг ичкарию ташқарисини тоза олтин билан қоплаб, айланаси бўйлаб олтин гулчамбар қилдилар. 3 Сандиқ учун эритилган олтиндан тўртта ҳалқа ясаб, тўртала оёғига маҳкамладилар: иккита ҳалқа бир томонида, иккита ҳалқа иккинчи томонида эди. 4 Кейин акас ёғочидан ходалар ясаб, ходаларни олтин билан қопладилар. 5 Сандиқнинг иккала томонидаги ҳалқадан Сандиқни кўтариб юриш учун ходаларни ўтказдилар. 6 Тоза олтиндан Сандиқнинг қопқоғини ясадилар. Қопқоқнинг узунлиги икки ярим тирсак, эни бир ярим тирсак* эди. 7-8 Шу билан бирга, олтиндан зарб уриб иккита каруб ясадилар*. Битта каруб қопқоқнинг бир четида, иккинчи каруб иккинчи четида бўлиб, ҳар иккаласи қопқоқ билан бир бутунни ташкил қилди. 9 Карубларнинг тепага кўтарилган қанотлари қопқоқни беркитиб турарди. Улар юзма–юз туриб, қопқоққа қараган эди.

Муқаддас нонлар учун хонтахта ясалади

10-11 Акас ёғочидан хонтахта* ясадилар. Уни тоза олтин билан қопладилар. Хонтахтанинг узунлиги икки тирсак, эни бир тирсак, бўйи бир ярим тирсак* эди. Хонтахтанинг четларига айлантириб олтин гулчамбар қилдилар. 12 Яна хонтахтанинг айланаси бўйлаб тўрт энли ром ўрнатдилар. Бу ромни нақшли ҳошия қилиб безатдилар. Уни хонтахтанинг оёқларига маҳкамладилар. 13-15 Яна эритилган олтиндан тўртта ҳалқа ясаб, ҳар бирини тахта маҳкамланган жойнинг

ёнига — тўртала бурчагидаги тўртала оёғига ўрнаштирдилар. Акас ёғочидан иккита хода ясаб, уларни олтин билан қопладилар. Бу ходаларни ҳалқалардан ўтказиб, хонтахтани кўтариб юриш учун фойдаланилар эди. 16 Хонтахтага қўйиладиган буюмларни — лаган, пиёлалар, шароб назр қилиш учун коса ва кўзаларни тоза олтиндан ясадилар.

Чироқпоя ясалади

17 Соф олтиндан зарб уриб чироқпоя* ясадилар. Бутун чироқпояни ва унинг безакларини бир бутун қилиб ясадилар. Чироқпоянинг таглиги, пояси ва куртакли гулга ўхшаш шаклдаги пиёлалари бор эди. 18 Яна чироқпоянинг поясидан олтита шохча чиқарилди: учта шохчаси бир ёнидан, учта шохчаси иккинчи ёнидан чиқарилди. 19 Чироқпоянинг поясидан чиқадиган шохчаларнинг ҳар бирида куртакли бодом гулига ўхшаш шаклдаги учта пиёла бор эди.
20 Чироқпоянинг поясида куртакли бодом гулига ўхшаш шаклдаги тўртта пиёла бор эди. 21 Чироқпоянинг поясидан чиқадиган шохчаларнинг ҳар жуфтида бу куртаклардан учтаси бирин–кетин тизилиб турарди. 22 Чироқпояни шохчалари ва куртаклари билан битта қилиб, тоза олтиннинг яхлит бўлагидан зарб уриб ясадилар. 23 Чироқпоя учун еттита мойчироқ ясадилар. Мойчироқларга қараб туришда фойдалангани тоза олтиндан қисқичлар ва патнислар ясадилар.
24 Чироқпоя билан унинг ҳамма буюмларини икки пуд* тоза олтиндан ясадилар.

Тутатқи қурбонгоҳи ясалади

25 Акас ёғочидан тутатқи қурбонгоҳи* ясадилар. Қурбонгоҳ тўртбурчак бўлиб, узунлиги бир тирсак, эни ҳам бир тирсак, бўйи эса икки тирсак* эди. Қурбонгоҳнинг тўртала бурчагига ўзидан йўниб чиқарилган биттадан шох ясадилар. 26 Қурбонгоҳнинг устини, ён–атрофини, шохларини тоза олтин билан қопладилар, айланаси бўйлаб олтиндан гулчамбар ясадилар. 27-28 Қурбонгоҳнинг икки томонидаги гулчамбарнинг остига иккита олтин ҳалқа ўрнаштирдилар. Акас ёғочидан иккита хода ясаб, уларни олтин билан қопладилар. Бу ходаларни ҳалқалардан ўтказиб, қурбонгоҳни кўтариб юриш учун фойдаланилар эди.

Муқаддас қиладиган мой ва хушбўй тутатқи тайёрланади

29 Уста одам муқаддас қиладиган мой* ва тоза, хушбўй тутатқи тайёрлади.

38–БОБ

Куйдириладиган қурбонлик учун қурбонгоҳ ясалади

1 Акас ёғочидан* тўртбурчак қилиб куйдириладиган қурбонлик учун қурбонгоҳ* ясадилар. Қурбонгоҳнинг узунлиги беш тирсак, эни ҳам беш тирсак, бўйи уч тирсак* эди. 2 Қурбонгоҳнинг тўртала бурчагига ўзидан йўниб чиқарилган биттадан шох ясадилар. Қурбонгоҳ ва унинг шохларини бронза билан қопладилар. 3 Қурбонгоҳнинг ҳамма буюмлари — қозонларни, куракларни, тоғорачаларни, санчқиларни ва оловкуракларни бронзадан ясадилар.
4 Қурбонгоҳга бронзадан панжара ясадилар. Панжарани қурбонгоҳнинг ичига — тўрт томонига ўрнатилган токчанинг остида ўрнатдилар, ярмигача етиб борди.
5 Бронза панжаранинг тўртала бурчагига ходаларни ўтказиш учун эритилган бронзадан тўртта ҳалқа ясадилар. 6 Акас ёғочидан ходалар ясаб, ходаларни бронза билан қопладилар. 7 Қурбонгоҳни ходалар ёрдамида кўтариб юриш учун қурбонгоҳ ёнларидаги ҳалқаларга ходаларни ўтказиб қўйдилар. Қурбонгоҳнинг четларига тахта қоқиб, ичини бўш қолдирдилар.

Бронза қўлювгич ясалади

8 Учрашув чодирига кираверишда хизмат қилган аёллар* ҳадя қилган бронза
кўзгулардан* улар бронза қўлювгични ва унинг таглигини ясадилар.

Муқаддас чодир ҳовлиси атрофидаги тўсиқ ясалади

9 Сўнгра Муқаддас чодирнинг ҳовлисини ўраб турсин деб, пардадан тўсиқ
қилдилар: тўсиб турадиган пардаларни майин зиғир матосидан тикдилар.
Ҳовлининг жануб томонидаги пардадан қилинган тўсиқнинг узунлиги юз
тирсак* эди. 10 Ўша тўсиқда йигирмата бронзадан қилинган тагликка йигирмата
устун ўрнатилган эди. Шу ердаги пардаларни осиш учун устунларга кумушдан
қилинган илгаклар ва ҳалқаларни маҳкамладилар. 11 Ҳовлининг шимол
томонидаги пардадан қилинган тўсиқнинг узунлиги ҳам юз тирсакни ташкил
қилиб, унинг йигирмата устуни ва бронзадан қилинган тагликлари бор эди.
Унинг пардаларини осиш учун устунларига ҳам кумушдан қилинган илгаклар ва
ҳалқаларни маҳкамладилар. 12 Ҳовлининг ғарб томонидаги пардадан қилинган
тўсиқнинг узунлиги эллик тирсак*, унинг ўнта устуни ва таглиги бор эди. Унинг
пардаларини осиш учун устунларига ҳам кумушдан қилинган илгаклар ва
ҳалқаларни маҳкамладилар. 13 Ҳовлининг шарқ томони эллик тирсак кенгликда
эди. 14-15 Ҳовлининг кириш жойи шу ер эди. Киришнинг ўнг ва чап томонидаги
пардадан қилинган тўсиқларнинг узунлиги ўн беш тирсакдан* эди, ҳар икки
томонда учтадан устун ва тагликлар бор эди. 16 Ҳовлининг ҳамма томонидаги
тўсиб турадиган пардаларни майин зиғир матосидан қилдилар, 17 устунларнинг
таглигини бронзадан, илгаклари ва ҳалқаларини кумушдан қилдилар.
Устунларнинг тепасини кумуш билан қопладилар. Ҳовлининг ҳамма устунларида
кумуш ҳалқалар бор эди. 18 Ҳовлига кириш жойи учун парда қилдилар. Уни майин
зиғир матосидан тикдилар, устига кўк, сафсар ва қирмизи иплардан маҳорат
билан нақш солдилар. Бу парданинг эни йигирма тирсак*, бўйи ҳовлининг тўсиб
турадиган пардалари каби, беш тирсак* эди. 19 Бу пардани тўртта тагликка
ўрнатилган тўртта устун ушлаб турди. Устунларнинг таглигини бронзадан,
илгаклари ва ҳалқаларини кумушдан қилдилар. Устунларнинг тепасини кумуш
билан қопладилар. 20 Муқаддас чодирни ва пардадан қилинган тўсиқни ушлаб
турадиган барча қозиқларни ҳам бронзадан ясадилар.

Муқаддас чодирда фойдаланилган олтин, кумуш ва бронза

21-23 Эгамизнинг Мусога берган амрига кўра, Яҳудо қабиласидан Урининг ўғли,
Хурнинг набираси Базалил ҳамма ишларни бажариб бўлди. Дан қабиласидан
бўлган Охисамах ўғли Охолиёв унинг ёнида бўлди. У ҳунарманд бўлиб, ижод
қилар, буюмлар ясай оларди, кўк, сафсар, қирмизи иплардан фойдаланиб, майин
зиғир матосига нақш солишни биларди.

Мусонинг ихтиёридаги руҳоний Ҳоруннинг ўғли Итамар назорати остида
Леви қабиласи сарф қилинган олтин, кумуш ва бронзанинг ҳисобини олиб борган
эди. Муқаддас аҳд чодирини* ясашда ишлатилган олтин, кумуш ва бронза ҳисоби
қуйидагича эди:

Олтин

24 Чодир ясалишига сарф қилинган олтиннинг жами 62,5 пуд* эди. Халқ
Эгамизга назр қилган олтиннинг ҳисоби шунча эди.

Кумуш

25 Санаб чиқилган халқдан йиғилган кумушнинг* жами ҳисоблаб чиқилганда,
214 пуд* бўлди. 26 Бу миқдор ҳисоблаб чиқилган йигирма ва ундан юқори ёшдаги
603.550 одамнинг ҳар бирига 1,25 мисқолдан* тўғри келарди. 27 213 пуд кумуш

эритилиб, Чодирнинг ромлари ва ички пардани ушлаб турадиган устунлар учун 100 та таглик қилишга ишлатилди, ҳар бир таглик учун 2 пуддан ортиқ* кумуш сарф қилинди. 28 Қолган 1 пуд* кумуш ҳовли атрофидаги устунлар учун илгаклар ва ҳалқалар ясашга, устунларнинг тепасини қоплашга ишлатилди.

Бронза

29 Халқ Эгамизга назр қилган бронзанинг миқдори 151 пуд* эди. 30 Қуйидаги ашёларни ясашда ўша бронза ишлатилди:

Учрашув чодирига кираверишдаги устунлар учун тагликларни,
бронза қурбонгоҳ билан унинг бронза панжарасини, унинг ҳамма буюмларини,
31 ҳовлининг атрофидаги пардаларни ушлаб турадиган устунлар учун тагликларни,
ҳовлига кираверишдаги парда учун тагликларни,
Муқаддас чодир билан атрофдаги пардадан қилинган тўсиқни ушлаб турадиган барча қозиқни.

39–БОБ

Руҳонийлик либослари тикилади

1 Улар кўк, сафсар ва қирмизи иплардан Муқаддас хонада хизмат қилганда кийиш учун руҳонийларга либосларни ажойиб қилиб тикдилар. Ҳорунга муқаддас руҳонийлик либослари тикишди. Ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.

Олий руҳоний учун эфод

2 Улар эфодни* майин зиғир матосидан тикиб, устига кўк, сафсар, қирмизи ва зар иплардан нақш солдилар. 3 Олтинни юпқа қилиб ёйиб, ингичка–ингичка қилиб кесиб, зар ип қилишди. Улар ўз маҳоратларини ишга солиб кўк, сафсар, қирмизи иплардан нақш солинган майин зиғир матосини бу зар ип билан безатдилар. 4 Эфоднинг олд ва орқа қисмларини бир–бирига боғлаш учун иккита елка боғичини қилиб, уларни олд ва орқа қисмларининг устки четига тикдилар. 5 Камар ясаб, уни эфодга боғладилар. Камарни ҳам майин зиғир матосидан қилдилар. Унга кўк, сафсар, қирмизи ва зар иплардан маҳорат билан нақш солдилар. Ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.

6 Кейин муҳр ўйгандай қилиб, Исроил ўғилларининг исмини иккита ақиқ тошга ўйиб ёздилар. Ёзилган тошларни олтиндан қилинган нақшли уялар ичига қўйиб, 7 Исроилнинг ўн икки қабиласини эслатиб туриш учун эфоднинг елка боғичларига ўрнаштирдилар. Ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.

Олий руҳоний учун кўкракпеч

8 Улар кўкракпечни* ясадилар. Кўкракпечни, эфод сингари, майин зиғир матосидан қилиб, кўк, сафсар, қирмизи ва зар иплардан унга маҳорат билан нақш солдилар. 9 Кўкракпечни тўртбурчак халта шаклида, икки букланган, бўйи бир қарич, энига ҳам бир қарич қилиб ясадилар. 10 Кўкракпечга тўрт қатор тошни* тўғри қилиб тердилар: қизил ёқут, хризолит ва зумрад тошларни биринчи қаторга тердилар. 11 Иккинчи қаторга фируза, зангори ёқут ва олмосни тердилар. 12 Учинчи қаторга ложувард, агат ва аметист тошларни тердилар. 13 Тўртинчи қаторга топаз, ақиқ ва яшма тошларни тердилар. Ҳамма тошларни олтиндан қилинган нақшли уяларга ўрнаштирдилар. 14 Бу ўн икки тош Исроилнинг ўн икки қабиласини эслатиб турарди. Муҳр ўйгандай қилиб, Исроилнинг ўн икки ўғлидан

ҳар бирининг исмини бу тошларнинг ҳар бирига ўйиб ёздилар.
15 Улар кўкракпечни эфодга боғлаш учун тоза олтиндан ипга ўхшатиб эшилган
иккита занжир ясадилар. 16 Яна нақшли иккита олтин уя ва иккита олтин ҳалқа
ясаб, иккала ҳалқани кўкракпечнинг устки бурчакларига маҳкамладилар.
17 Иккала олтин занжирнинг бир учини кўкракпечдаги ҳалқаларга боғлаб,
18 иккинчи учини нақшли олтин уяларга маҳкамладилар. Уяларни эфоднинг олд
томонидаги елка боғичларига ўрнаштирдилар. 19-20 Яна олтиндан тўртта ҳалқа
ясадилар. Иккитасини кўкракпечнинг остки бурчакларига — эфодга яқин бўлган
ички қирғоғига маҳкамладилар. Иккитасини эфоднинг олд томонига, иккала елка
боғичининг пастига — нақшли камардан юқорига маҳкамладилар. 21 Кўкракпеч
эфоднинг нақшли камаридан юқорида бўлсин, эфоддан осилиб турмаслиги учун
кўкракпечни ҳалқалари ёрдамида эфоднинг ҳалқаларига кўк боғич билан
маҳкамладилар. Ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.

Бошқа руҳонийлик либослари

22 Эфоднинг ридосини* кўк иплардан тўқилган матодан тикдилар. 23 Ридонинг
ўртасидан бош сиғадиган тешик қилдилар. Ридо йиртилиб кетмаслиги учун
тешикнинг четини тўқидилар. 24-26 Ридо этагининг учига айланаси бўйлаб анор*
шаклини ва қўнғироқчаларни бирин–кетин қилиб биттама–битта осиб чиқдилар.
Анор шакли йигирилган кўк, сафсар ва қирмизи иплардан қилинган эди.
Қўнғироқчалар тоза олтиндан қилинган бўлиб, анор шакли ораларига осилган
эди. Ҳорун олий руҳоний бўлиб хизмат қилганда, у шу ридони кийиши керак эди.
Ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.
27 Ҳорун билан унинг ўғилларига майин зиғир матосидан кўйлакларни,
28 саллани, пешанабоғларни ва иштонларни қилдилар. 29 Белбоғини майин зиғир
матосидан тўқиб, устига кўк, сафсар ва қирмизи иплардан маҳорат билан нақш
солдилар. Ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.
30 Тоза олтиндан лавҳани — муқаддаслик рамзини ясадилар. Лавҳанинг
юзасига муҳр ўйгандай, “Эгамизга бағишланган” деб ўйиб ёздилар. 31 Лавҳани
саллага маҳкамлаш учун кўк боғични лавҳага боғлаб қўйдилар. Ҳаммасини
Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.

Иш ниҳоясига етади

32 Шундай қилиб, Учрашув чодири — Муқаддас чодир ясалишига оид ҳамма
ишлар ниҳоясига етди. Исроил халқи ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай
қилдилар. 33 Кейин Мусонинг олдига қуйидагилардан иборат Муқаддас чодирни
олиб келдилар:

Чодирнинг ички қаватини ва унинг ҳамма қисмларини — илгакларини,
ромларини, тамбаларини, устунлари ва тагликларини,
34 қизилга бўялган қўчқор терисидан ёпинчиқни, юмшоқ теридан* ёпинчиқ
ва Энг муқаддас хонани тўсиб турадиган ички пардани,
35 Аҳд сандиғини*, унинг ходалари ва қопқоғини,
36 хонтахтани, унинг ҳамма буюмларини ва унга қўйиладиган муқаддас
нонларни*,
37 тоза олтиндан қилинган чироқпоя, унга ўрнатилган мойчироқларни,
унинг ҳамма буюмларини ва мойчироқлар учун зайтун мойини,
38 олтин тутатқи қурбонгоҳини,
муқаддас қиладиган мой* ва хушбўй тутатқини,
Чодирга киравериштаги пардани,
39 бронза қурбонгоҳни, унинг бронза панжарасини, ходалари ва ҳамма

буюмларини,
қўлювгични ва унинг таглигини,
40 ҳовлини тўсиб турадиган пардаларни, пардаларни ушлаб турадиган
устунларни, устунларнинг тагликларини ва ҳовлига киравериш даги
пардани,
Чодир ва ҳовли учун арқонларни, қозиқларни,
Муқаддас чодир — Учрашув чодирида фойдаланадиган ҳамма ашёларни,
41 Руҳоний Ҳорун ва унинг ўғиллари Муқаддас хонада хизмат қилганда
киядиган, ажойиб қилиб тикилган муқаддас либосларни.

42 Хуллас, Исроил халқи ҳаммасини Эгамиз Мусога амр этгандай қилдилар.
43 Мусо қилинган ҳамма ишларни кўздан кечирди, Исроил халқи бу ишларни
Эгамизнинг амри бўйича қилганларини кўриб, Мусо уларни дуо қилди.

40–БОБ

Муқаддас чодир ўрнатилиб, бағишланади

1 Эгамиз Мусога айтди: 2 “Биринчи ойнинг* биринчи куни Учрашув чодирини
— Муқаддас чодирни ўрнаттир. 3 Сўнг Аҳд сандиғи* чодирга олиб кирилсин,
Сандиқни ички парда* билан тўсдир. 4 Кейин хонтахта олиб кирилсин. Хонтахтага
тегишли ашёларни унинг устига жойлаштир. Чироқпоя ҳам олиб кирилсин*,
чироқпояга мойчироқларни ўрнаштир. 5 Олтин тутатқи қурбонгоҳини Аҳд
сандиғи олдига қўйдир*. Муқаддас чодирга киравериш да пардани осдир.
6 Қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳни Учрашув чодирига — Муқаддас
чодирга киравериш да ўрнаштир. 7 Қўлювгични Учрашув чодири билан қурбонгоҳ
ўртасига ўрнаштириб, ичига сув қуйдир. 8 Чодир ва қурбонгоҳнинг атрофига
пардадан қилинган тўсиқни ўрнаштириб, ҳовлига киравериш даги пардани осдир.
9 Кейин муқаддас қиладиган мойни* олиб, Чодирга ва унинг ҳамма ашёларига
суртиб чиқиб, Менга бағишла. Шунда Чодир муқаддас бўлади. 10 Қурбонлик
куйдириладиган қурбонгоҳга ва унинг ҳамма буюмларига ҳам мой суртиб, Менга
бағишла. Шунда қурбонгоҳ ғоят муқаддас бўлади. 11 Қўлювгичга ва унинг
таглигига ҳам мой суртиб, Менга бағишла.
12 Ҳорун билан ўғилларини Учрашув чодирининг киравериш ига олиб келиб,
ҳаммаларини ювинтир. 13 Сўнг Ҳорун руҳоний бўлиб хизмат қилиши учун уни
Менга бағишла: унга муқаддас руҳонийлик либосларини кийдириб, мой сурт.
14 Шундан кейин Ҳоруннинг ўғилларини ҳам олиб келиб, уларга кўйлак кийгиз.
15 Отасига мой суртганингдай, уларга ҳам мой сурт, токи улар руҳоний бўлиб
Менга хизмат қилишсин. Ҳорун ва унинг ўғилларига мой суртиш билан уларнинг
ўзлари ҳам, насллари ҳам авлодлар оша Менга руҳоний бўлиб хизмат қилишлари
учун сен уларга ижозат берган бўласан.”
16 Мусо Эгамиз амр этган ҳамма ишларни бажариб бўлди. 17-18 Иккинчи
йилнинг биринчи ойида*, ойнинг биринчи куни Мусо Муқаддас чодирни
ўрнаттирди: у ҳамма тагликларни жойига қўйдирди, ромларни ўрнаштириб,
тамбаларни жойлаштирди, устунларни ўрнаштирди. 19 Сўнгра Чодирни тутиб
турадиган ромлар устига чойшаблар ва қопламаларни ташлатди. Эгамиз амр
этганларнинг ҳаммасини Мусо бажарди.
20 Кейин аҳднинг амр ва қонунлари ёзилган иккита тош лавҳани* олиб,
Сандиққа солиб қўйди. Ходаларни Сандиқ ҳалқасидан ўтказгач, Сандиқнинг
қопқоғини Сандиқ устига ўрнаштирди. 21 Сандиқни Муқаддас чодирга олиб

кирди. Ички пардани осиб, Аҳд сандиғини тўсдириб қўйди. Эгамиз амр этганларнинг ҳаммасини Мусо бажарди.
22 Учрашув чодирига — чодирнинг шимол томонига, ички парданинг
ташқарисига хонтахтани қўйдирди. 23 Хонтахта устига — Эгамизнинг ҳузурига
муқаддас нонларни* қўйди. Эгамиз амр этганларнинг ҳаммасини Мусо бажарди.
24 Учрашув чодирига — хонтахтанинг рўпарасига, Чодирнинг жануб томонига
чироқпояни қўйдирди. 25 Эгамизнинг ҳузурига — чироқпояга мойчироқларни
ўрнаштирди. Эгамиз амр этганларнинг ҳаммасини Мусо бажарди.
26 Учрашув чодиридаги ички парданинг ташқарисига олтин тутатқи
қурбонгоҳини қўйдирди. 27 Қурбонгоҳда хушбўй тутатқи тутаттирди. Эгамиз амр
этганларнинг ҳаммасини Мусо бажарди.
28 Муқаддас чодирга кираверишда пардани осдирди. 29 Учрашув чодирига —
Муқаддас чодирга кираверишда қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳни
ўрнаштирди. Сўнг қурбонлик билан дон назри* келтириб, қурбонгоҳда куйдирди.
Эгамиз амр этганларнинг ҳаммасини Мусо бажарди.
30 Учрашув чодири билан қурбонгоҳ ўртасига қўлювгични ўрнаштириб,
ювиниш учун ичига сув қуйдирди. 31-32 Мусо, Ҳорун ва Ҳоруннинг ўғиллари
Учрашув чодирига кирганларида ёки қурбонгоҳда назрларни куйдирганларида,
қўлювгичдаги сув билан оёқ–қўлларини ювишар эди. Эгамиз амр этганларнинг
ҳаммасини Мусо бажарди.
33 Сўнгра Мусо Чодир билан қурбонгоҳнинг атрофига пардадан қилинган
тўсиқни ўрнаштириб, ҳовлига кираверишда пардани осдирди. Шундай қилиб,
Мусо ишини тугатди.

Булут ва Эгамизнинг улуғворлиги

34-35 Кейин Учрашув чодирини — Муқаддас чодирни булут қоплади, Эгамиз
улуғворлиги билан зоҳир бўлиб Чодирни тўлдирди. Шунинг учун Мусо Чодирга
кира олмади. 36 Чодирдан булут кўтарилганда, Исроил халқи ҳар бир тўхтаган
жойидан йўлга чиқиб саёҳатини давом эттирарди. 37 Булут кўтарилмасдан, то
булут кўтариладиган кун келмагунча, улар йўлга чиқишмасди. 38 Шундай қилиб,
Исроил халқи бутун саёҳатлари давомида кундузи Муқаддас чодир устида Эгамиз
зоҳир бўладиган булутни, кечаси Чодир тепасидаги булут ичида ёнаётган
алангани кўрар эдилар.

ИЗОҲЛАР

1:1-4 *Исроил* — Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

1:5 *етмиш* — Ибтидо 46:8-27 оятларга ва Ибтидо 46:27 изоҳига қаранг.

1:8 *янги фиръавн* — тахтга ўтирган янги шоҳ сулоласи назарда тутилган бўлиши мумкин.

1:11 *...Питом ва Рамзес...шаҳарлар...* — Питом шаҳри Муқаддас Китобда фақат бир марта тилга олинган. Бу шаҳарнинг айнан қаерда жойлашгани маълум эмас, бироқ у Миср шимолидаги Нил дельтасининг ерларида жойлашган бўлиши мумкин. Рамзес шаҳри кейинчалик ўша жойда яшаган фиръавн Рамзес II номи билан аталган машҳур шаҳарга ишора. Бу шаҳар ҳам Нил дельтасининг ерларида жойлашган эди, лекин унинг айнан қаерда жойлашгани маълум эмас.

2:4 *опа* — яъни Марям (Саҳрода 26:59 га қаранг).

2:10 *Мусо* — мисрча исм бўлиб, *туғилган* деган маънони англатади. Бу исм ибронийчадаги *чиқариб олмоқ* сўзига оҳангдош. Мусога қўйилган бу исм Худонинг Исроил халқини Мусо орқали Мисрдан чиқариб олиши ва Қизил денгиздан олиб ўтиши ҳақидаги илоҳий режасини аён қилади (13:17-14:31 га ва Ишаё 63:11-12 га қаранг). Ҳақиқатдан, Мусо Худо томонидан танланган халоскор эди.

2:15 *Мидиён юрти* — Мисрдан шарқда жойлашган. Бу оятда тилга олинган Мидиён юртининг айнан қаерда жойлашгани маълум эмас. Бу юрт Синай ярим оролида ё Ўлик денгизнинг жанубидаги ерларда ёки ҳозирги Ақаба қўлтиғининг шарқ томонида жойлашган бўлса керак.

2:18 *Ятро* — ибронийча матнда *Рувел*, Ятронинг яна бир исми (3:1 га қаранг).

2:22 *Гершом* — бу исм ибронийчадаги *у ерда мусофир* сўзига оҳангдош.

2:24 *Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб билан аҳд қилиб берган ваъдаси...* — Ибтидо 12:1-3, 26:2-5, 28:13-15 га қаранг.

3:1 *Синай* — ибронийча матнда *Хорев*, Синай тоғининг яна бир номи.

3:8 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут — мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

3:13 *"Ким У?"* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *"Унинг исми нима?"* Яҳудийларнинг тасаввурига кўра одамнинг исми унинг характери ва хулқ–атворини ифодалайди. Бу оятдаги савол фақатгина Худонинг исмини билиш учун эмас, балки Исроил халқи ва Мусо ўз ота–боболарининг Худосини янада яхшироқ билишлари учундир. Мусо ўзига берилган куч ва ҳокимиятга унча ишонмай: "Мен ким бўлибман...?!" деб сўраган (шу бобнинг 11–оятига қаранг). Исроил халқи ҳам Мусодан "Ота–боболаримизнинг Худоси Ким?" деб сўрашини Мусо биларди. Яна шу бобнинг 14–ояти изоҳига қаранг.

3:14 *Мен ҳар доим бор бўлган Худоман...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Мен бор бўлган Менман....* Мусонинг саволига жавоб сифатида Худо Ўзини барча ҳодисалар устидан чексиз куч ва ҳокимиятга эга бўлган — ҳар доим бор бўлган Худо сифатида аён қилди (яна шу бобнинг 15–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

3:15 *Эгангиз* — ибронийча матнда *ЙҲВҲ* (*Йаҳвеҳ* деб талаффуз қилинган бўлиши мумкин), Худонинг исми. *ЙҲВҲ* ибронийчадаги *мен борман* феълига оҳангдош, бу феъл шу бобнинг 14–оятида уч марта ишлатилган. Кўпчилик олимлар *ЙҲВҲ* ибронийча *бор бўлмоқ* феълининг илк шакли бўлиши мумкин, деб тушунадилар. Ушбу таржимада *ЙҲВҲ* сўзи *Эгам, Эгамиз, Эганг, Эгангиз, Эгаси* деб таржима қилинган (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ЭГАМ, ЭГАМИЗ… сўзига қаранг).

4:6 *…яра тошиб…* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади.

4:20 *Худо, ол, деб тайинлаган таёқ* — ёки *Худонинг қудратига эга бўлган таёқ*.

4:24 *…Мусонинг олдига…* — ёки *…Мусонинг ўғли олдига…*. Ибронийча матнда *…унинг олдига…*, бу ўринда Мусо ёки унинг ўғли назарда тутилган (яна шу бобнинг 25–оятига ва ўша оятнинг охирги изоҳига қаранг).

4:24 *…сал бўлмаса уни ўлдирай деди* — у бирданига Худо томонидан юборилган жиддий хасталикка йўлиққан бўлиши мумкин.

4:25 *хотини Зиппура* — 2:16-21 га қаранг.

4:25 *тош пичоқ* — бу пичоқ қоятошдан ясалган эди. Қоятошни йўниб, унинг учини ўткир қилиш мумкин.

4:25 *…Мусонинг оёқларига…* — ёки *…ўғлининг оёқларига…*. Ибронийча матнда *…унинг оёқларига…*. Бу ўринда Мусонинг оёқлари ёки ўғлининг оёқлари назарда тутилган. Бу оятдаги *оёқ* сўзи кўчма маънода ишлатилган бўлиб, *жинсий аъзони* билдириши мумкин. Олимлар бу оятда ва мазкур бобнинг 24–оятида Мусо ёки унинг ўғли ҳақида гап кетаётгани тўғрисида бир фикрга кела олмайдилар. Агар Мусо ҳақида гап кетаётган бўлса, демак, Мусо ўғлини суннат қилмагани учун Худонинг қаҳрига учраганини Зиппура тушуниб, Мусони халос қилиш учун ўғлини суннат қилган. Бу ҳодиса Худонинг ўз халқи билан тузган аҳдининг белгиси бўлган суннатнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатади (яна Ибтидо 17:9-14 га қаранг).

4:27 *Худонинг муқаддас тоғи* — Синай тоғига ишора.

5:5 *қароллар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *ерли халқ*, иброний қаролларига ишора.

5:9 *…беҳуда гапларга қулоқ солишмасин* — яъни Мусо ва Ҳорун Исроил халқига айтган гапларга (4:29-31 га қаранг).

6:3 *Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга Мен Қодир Худо бўлиб Ўзимни зоҳир қилдим* — Ибтидо 17:1-8, 28:1-5, 35:11-13 га қаранг.

6:3 *Аммо уларга Мен, уларнинг Эгаси деб танилмаган эдим* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Аммо ЙҲВҲ исмим билан уларга танилмаган эдим* (3:15 изоҳига қаранг). Яҳудийларнинг тасаввурига кўра одамнинг исми унинг характери ва хулқ–атворини ифодалайди. Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб Худонинг *ЙҲВҲ* исмини билган бўлсалар ҳам, Худонинг характери ва фазилатлари ҳақидаги уларнинг билими ўзларининг ҳаётий тажрибаси билан чекланган эди. Худо Ўзини Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга зоҳир қилгандай, энди Ўзини Исроил халқига ҳам танитмоқчи, лекин бу сафар У Ўз халқига характери ва фазилатларининг бошқа томонларини аён қилмоқчи (шу бобнинг 1–оятига қаранг). Уларнинг ота–боболари билан тузган аҳдини амалга оширадиган Худо эканлигини

билдириб, Ўзининг буюк садоқатини кўрсатмоқчи (шу бобнинг 4-5–оятларига қаранг). Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан озод қилиб, уларни Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга онт ичиб, ваъда қилган юртга олиб боради (шу бобнинг 6-8–оятларига қаранг).

6:4 *...улар билан аҳд қилдим* — Ибтидо 12:1-3, 26:2-5, 28:13-15 га қаранг.

6:14 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

8:21 *сўналар* — бу ўриндаги ибронийча сўз оддий пашша ёки пашшасимон чақадиган ҳашаротни билдириши мумкин.

8:22 *Гўшен ерлари* — Нил дельтасининг шарқидаги ҳосилдор ерлар (Ибтидо 45:10, 47:6 га қаранг).

8:23 *Мен Ўз халқим билан сенинг халқингни айириб қўяман* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан (яна 9:4 га қаранг). Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўз халқим ва сенинг халқинг орасига нажот қўяман*. Бу гапни *Мен Ўзимнинг халқимни халос этаман–у, сенинг халқингни эса халос қилмайман* деб таржима қилса ҳам бўлади.

8:26 *Эгамиз Худога ҳайвонларни қурбонлик қилсак...бизни тошбўрон қилмайдиларми?!* — Мисрликлар баъзи ҳайвонларни муқаддас деб билганлар ва ўша ҳайвонларнинг тасвирларига сиғинганлар. Борди–ю, Мисрликлар Исроил халқининг ўша ҳайвонларни Худога қурбонлик қилганини кўрсалар, ниҳоятда ғазабланган бўлар эдилар. Мусо буни билар эди.

9:32 *...буғдой кечки бўлгани учун...* — ибронийча матнда икки хил буғдой ҳақида сўз юритилган. Бу кечки буғдойнинг ўрими арпа ва зиғирпоянинг ўримидан тахминан 1 ой кейин — март ойининг охирида ёки апрель ойининг бошида бошланар эди (шу бобнинг 31–оятига қаранг).

10:4 *чигирткалар* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

10:19 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Суэц қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиққа) ишора қилади.

11:1 *Эгамиз Мусога айтганди...* — 3:20-22, 4:21-23 га қаранг.

12:2 *Бу ой...йилнинг биринчи ойи бўлади* — иброний календарининг Абиб ойи назарда тутилган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

12:7 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

12:14 *Бу кун* — биринчи ойнинг ўн бешинчи кунига ишора. Шу куни Хамиртурушсиз нон байрами бошланар эди. Бу байрам ўша ойнинг ўн тўртинчи кунида ўтказиладиган Фисиҳ зиёфатидан кейин алоҳида нишонланарди (Левилар 23:5-6, Эзра 6:19-22, Ҳизқиёл 45:21 га қаранг).

12:18 *Биринчи ой* — 12:2 изоҳига қаранг.

12:21 *...қўзи ёки улоқча танлаб олиб, Фисиҳ зиёфатига қурбонлик қилинглар* — шу бобнинг 3-6, 8-11–оятларида батафсил берилган кўрсатмаларга қаранг.

12:22 *иссоп ўти* — бу ўриндаги ибронийча сўз майда кўк гулли, барглари муаттар ҳидли ўсимликни билдиради. Бу ўсимликнинг барглари майда тук билан қопланган учун уни чўтка сифатида ишлатса ҳам бўлар эди.

12:37 *Сухот* — Рамзесдан қарийб 50 километр жануби–шарқда жойлашган.

13:3-4 *Абиб ойи* — иброний календарининг биринчи ойи (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

13:5 *сут ва асал оқиб ётган ўша юрт* — 3:8 изоҳига қаранг.

13:13 *эшак* — асосий транспорт воситаси бўлиб хизмат қилгани учун муҳим бир ҳайвон эди. Эшак *ҳаром* ҳисобланган боис (Левилар 11:1-8 га қаранг), уни Худога қурбонлик қилиб бўлмас эди, шунинг учун эшакнинг туғилган биринчи эркак боласини қайтариб сотиб олиш керак эди. "Ҳалол" ҳайвонларнинг тўнғич эркак боласи эса қурбонлик қилинар эди (Саҳрода 18:15-17 га қаранг).

13:13 *...ҳамма тўнғич ўғилларни ҳам қайтариб сотиб олишингиз лозим* — бу амр руҳонийларга кумуш тўлаш орқали амалга ошириларди (Саҳрода 18:15-16 га қаранг).

13:17 *Филист халқининг юрти орқали ўтадиган йўл* — Нил дельтасидан Канъон юртига борадиган энг қисқа йўл. Бу йўл Ўрта ер денгизининг қирғоғи бўйлаб борар эди.

13:18 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном остида ҳозирги Суэц қўлтиғи (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиқ) ёки Суэц қўлтиғи ва Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган кўллардан бири назарда тутилган. 14:10-31 даги ҳодисаларнинг тафсилотига кўра, бу денгиз катталигидан Исроил халқига тўсиқ бўлган, чуқурлигидан Миср лашкари чўкиб кетган.

13:19 *Юсуф...деган эди* — Ибтидо 50:24-25 га қаранг.

14:2 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *денгиз*. 13:18 изоҳига қаранг.

14:25 *...ғилдираклари ботиб қолди* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *...ғилдиракларини чиқариб юборди*.

15:2 *...куч–қудратимдир* — ёки *...қудратим, шукрона қўшиғимдир*.

15:3 *...У жангчидир, У Эгамиздир* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ЙҲВҲ жангчидир, ЙҲВҲ Унинг исмидир*. Энди Исроил халқи ўз кўзи билан Худонинг қилган ишларини кўриб, Унинг кимлигини тўлиқроқ тушунадиган бўлди. Худо Ўз халқи Исроил учун курашадиган кучли жангчидир (14:14, 25 га қаранг). Яна 3:13, 14, 15 изоҳларига ва 6:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

15:4 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи* (шу бобнинг 22–оятида ҳам бор). 13:18 изоҳига қаранг.

15:13 *Муқаддас маконинг* — Канъон юртида жойлашган Қуддусдаги Сион тоғи назарда тутилган бўлиши мумкин (яна шу бобнинг 17–оятига қаранг). Ўша ерда кейинчалик Маъбад қурилган эди. Маъбад яна "Худонинг уйи" деб аталар эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

15:17 *...Ўз тоғингга...муқаддас масканингга...* — шу бобнинг 13–ояти изоҳига қаранг.

15:23 *Маро* — ибронийчадаги маъноси *тахир*.

16:1 *...бир ой ўтгач...* — ибронийча матнда *...иккинчи ойнинг ўн бешинчи куни...*, иброний календарининг Зив ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан апрелнинг ўртасидан бошланади. Исроил халқи бундан бир ой олдин, иброний календарининг биринчи ойи ўн тўртинчи куни Мисрдан чиққан

эди (12:2-13 оятларга ва 12:2 изоҳига қаранг).

16:1 *Син саҳроси* — Синай ярим оролидаги бу саҳронинг айнан қаерда жойлашгани маълум эмас.

16:4 *Нон* — ибронийчада *нон* сўзи умуман егуликка нисбатан ҳам ишлатилади. Худо Исроил халқига осмондан гўшт ва кейинчалик "манна" деб номланган егулик етказиб беради (шу бобнинг 6-8, 13-15, 31–оятларига қаранг).

16:5 *олтинчи куни* — Исроил халқи дам оладиган Шаббат кунидан олдинги жума куни назарда тутилган (шу бобнинг 29-30–оятларига қаранг). Шаббат дам олиш куни сифатида кейинчалик Мусо орқали берилган қонунлар мажмуасига киритилган эди (20:8-11, 31:12-17 га қаранг).

16:16 *бир омир* — нарсаларни ўлчаш учун ишлатилган кичкина бир идиш. Бу идишнинг ҳажми тахминан 2 литр эди (шу бобнинг 36–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Шу бобнинг 18, 22, 32, 33–оятларида ҳам бор.

16:23 *...Мусо уларга айтди...* — олтинчи куни одамлар ҳар кунгидан икки баробар кўпроқ манна йиғишлари кераклигидан оқсоқоллар хабардор эдилар (шу бобнинг 5–оятига қаранг). Энди Мусо уларга нима учун бундай қилишлари кераклигини тушунтириб беряпти.

16:31 *манна* — бу ном ибронийчадаги *Бу нима?* сўзига оҳангдош (шу бобнинг 15–оятига қаранг).

16:33 *...Эгамизнинг ҳузурига қўй...* — Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасидаги Аҳд сандиғига ишора (шу бобнинг 34–оятига қаранг). Бу келажакда бажарилиши керак бўлган амрдир, чунки ўша пайтда Муқаддас чодир ҳали ясалмаган эди (25:10-22, 26:1-37 га қаранг).

16:34 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. Ибронийча матндаги *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Иккала тош лавҳа Сандиқнинг ичида сақланиб, Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди.

16:35 *Исроил халқи кейинги қирқ йил давомида...манна тановул қилдилар* — Ёшуа 5:12 га қаранг.

16:36 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

17:1 *...бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриб...* — Саҳрода 33:12-14 га қаранг.

17:1 *Син саҳроси* — 16:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

17:1 *Рафидим* — Исроил халқи Синай тоғига етиб боришидан олдин охирги тўхтаган жойи. Рафидимнинг қаерда жойлашгани аниқ маълум эмас.

17:6 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

17:7 *...Массах...Марива...* — ибронийчада Массах номининг маъноси — *синов*, Марива номининг маъноси — *жанжал*.

17:9 *Худо, ол, деб тайинлаган таёқ* — ёки *Худонинг қудратига эга бўлган таёқ*.

17:15 *"Эгам байроғимдир"* — бу ердаги "байроқ" сўзи остида уруш вақтида жангчиларни руҳлантирган лашкар рамзи назарда тутилган. Мусо қурбонгоҳга "Эгам байроғимдир" деган ном қўйиб, шу орқали Исроил халқига жанг қилиш учун кучни ва ғалабани ёлғиз Эгамиз бера олишини эслатмоқчи. Мусо "байроқ",

деб жанг давомида кўтариб турган ҳассасини назарда тутган бўлиши мумкин (шу бобнинг 9–оятига қаранг). Мусонинг ҳассаси Худонинг қудрати ва Исроил халқига берган ёрдамининг рамзи бўлиб хизмат қиларди.

17:16 *"Омолеклар…Эгамиз доимо уларга қарши уруш қилади"…* — ёки *"Эгамизнинг байроғини баланд тутинглар! Эгамиз Омолек халқига қарши то абад урушни давом эттиради"….*

18:2 *Мусо хотинини отаси ёнига жўнатиб юборганда…* — бу ҳодиса китобда ёзилмаган, бироқ 4:18-26 оятлардаги ҳодисалардан кейин юз берган бўлса керак. Демак, шу бобнинг 3-4–оятлари ўша ҳодисадан олдинги пайтга — Мусо икки ўғлига исм қўйган вақтга ишора қиляпти (2:22 га қаранг).

18:3 *Гершом* — 2:22 изоҳига қаранг.

18:4 *…мени фиръавннинг қиличидан қутқарди* — 2:1-15 га қаранг.

18:4 *Элиазар* — ибронийчадаги маъноси *Худойим мададкоримдир*.

18:5 *Худонинг муқаддас тоғи* — Синай тоғига ишора.

19:1-2 *Рафидим* — 17:1 нинг охирги изоҳига қаранг.

19:1-2 *учинчи ой* — иброний календарининг Шавон ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан майнинг ўртасидан бошланади. Исроил халқи Мисрдан чиққанига олти ҳафта бўлиб, еттинчи ҳафта бошланган эди (Саҳрода 33:3 га қаранг).

19:10 *…халқ поклансин…* — диний хизматни лозим даражада бажаришга монелик қиладиган нопокликдан тозаланиш маросими назарда тутилган.

19:22 *руҳонийлар* — бу ўринда оқсоқоллар (3:18, 12:21, 18:12 га қаранг) ёки махсус танланган йигитлар — тўнғич фарзандлар (24:5 ва Саҳрода 3:11-13 га қаранг) назарда тутилган бўлиши мумкин. Ҳоруннинг насли руҳонийликка кейинроқ тайинланган эди (28-29–бобларга қаранг).

20:5 *Ўша худолар ёки бутларга…* — ибронийча матнда *Уларга…*, шу бобнинг 3, 4–оятларида айтиб ўтилган худолар ва бутларга ишора.

20:6 *…минг–минг авлодларига…* — ёки *…мингинчи авлодига…* ёхуд *…мингларига….*

20:7 *…исмини суиистеъмол қилманг* — бунга Худонинг номи билан бирор ишни қиламан, ҳақиқатни айтаман, деб қасам ичгандан кейин, ўша ваъдани бузиш, онтдан қайтиш ёхуд Худонинг номи билан лаънатлаш ёки Худо айтганимни қилсин, деб қилинган ҳар хил ишлар киради (мисол учун, Худонинг номи билан фол очиш ёки сеҳр–жоду қилиш).

20:26 *…зинапоядан чиқаётганингизда, очиқ жойларингиз кўриниб қолади* — қадимги Исроилда эркаклар кийимининг белидан пастки қисми кенг эди. Исроил халқи билан муносабатда бўлган бошқа халқларнинг руҳонийлари сажда маросимида номаъқул кийимлар кийишар эди. Исроил халқининг руҳонийлари эса кийган кийимига алоҳида эътибор бериб, қурбонгоҳда уларнинг яланғоч жойлари кўринмаслиги керак эди (яна 28:42-43 га қаранг).

21:2 *Агар иброний эркак сизларга қул бўлиб сотилса…* — қадимги Исроилда одамлар қарзини тўлаш учун баъзан ўзларини қулликка сотишган ёки оила аъзолари томонидан қул қилиб сотилганлар.

21:6 *…ҳакамлар ҳузурига…* — ёки *…Менинг ҳузуримга…*, яъни Худо ҳузурига. Бу ўриндаги ибронийча сўз Худога, илоҳий зотларга ёки инсоний ҳукмдору ҳакамларга ишора қилган бўлиши мумкин. Бу ўринда Худонинг ҳокимияти билан

иш юритган ҳакамлар назарда тутилган.

21:6 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

21:14 *...Менга аталган қурбонгоҳга қочиб борса...* — қурбонгоҳ муқаддас ҳисобланган учун, қурбонгоҳга қочиб борган одам айби исботлангунча ўлим жазосидан ҳоли ҳисобланар эди. Бу оятдаги вазиятда қотил одамни қасддан ўлдиргани маълум бўлгани учун, ҳатто қурбонгоҳ ҳам уни ҳаққоний жазодан қутқара олмасди.

21:22 *...аёл чала туғиб қўйса–ю...* — ёки *...аёлнинг ҳомиласи тушиб қолса–ю....*

21:23-25 *...жон эвазига жон, [24] кўз эвазига кўз...[25]...лат ейиш эвазига лат етказиш билан жавоб берсин* — бу гап қонуний асосни ташкил қилиб, келтирилган ҳар қандай зарар учун одил жазо берилиши кераклигини билдиради. Демак, бу қонунни сўзма–сўз тушуниш керак эмас. Мисол учун, матннинг бошқа жойларида одамнинг ўлганига айбдор бўлган киши ўлдирилиши ёки ўз жони эвазига пул тўлаши кераклиги ҳақида ёзилган (шу бобнинг 29-32–оятларига қаранг). Шунингдек, қулининг кўзига уриб, уни кўр қилиб қўйган ёки унинг тишини синдирган одамга жазо сифатида жисмоний жароҳат етказилмас эди. Аксинча, ўша одам қулига етказган жароҳати учун қулини озодликка чиқариши керак эди (шу бобнинг 26-27–оятларига қаранг).

21:32 *ўттиз бўлак кумуш* — ибронийча матнда *ўттиз шақал кумуш*, тахминан 330 граммга тўғри келади. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

21:33 *чуқур* — сардоба назарда тутилган бўлиши мумкин. Сардоба — ёмғир сувини сақлаш учун фойдаланилган чуқурлик.

22:8 *...ҳакамлар ҳузурига...* — ёки *...Менинг ҳузуримга...*. 21:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

22:9 *...ҳакамлар ҳузурига...Ҳакамлар...* — ёки *...Менинг ҳузуримга...Мен...*. 21:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

22:10 *...ўғирлаб олиб кетилган бўлса, лекин гувоҳ бўлмаса...* — бу ўринда мол яйловда ўтлаб юрган пайтда босқинчилар томонидан олиб кетилгани назарда тутилган. Молнинг ўғирлаб кетилганига гувоҳ бўлмаса, молга қараган одам ўзининг айбсизлиги ҳақида онт ичсин, бу жиноятда у айбдор ҳисобланмайди.

22:28 *Мен, Худойингизни...* — ёки *Ҳакамларингизни...*. Бу ўриндаги ибронийча сўз Худога, илоҳий зотларга ёки инсоний ҳукмдору ҳакамларга ишора қилган бўлиши мумкин.

22:29 *Тўнғич ўғилларингизни Менга бағишланглар* — 13:2, 11-16 ва Саҳрода 18:15-16 га қаранг.

23:11 *Еттинчи йили* — Левилар 25:1-7 га қаранг.

23:15 *Абиб ойи* — иброний календарининг биринчи ойи (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

23:15 *Абиб ойининг белгиланган вақтида...Мен сизларга амр этганимдай...* — 12:14-20 га қаранг.

23:16 *Чайла байрами* — ибронийча матнда *Йиғиш байрами*, Чайла байрамининг яна бир номи.

23:19 *Улоқчани онасининг сутида қайнатманглар* — Канъондаги халқлар байрам

маросимида бундай таомни тайёрлаб, ўз худоларидан яхши ҳосил беришини сўрар эдилар. Шу сабабдан Исроил халқига бундай таомни тайёрлаш ман этилган бўлиши мумкин. Худо Исроил халқига Канъон халқларининг одатларига эргашишни қатъиян тақиқлаган эди (шу бобнинг 32-33–оятларига ва 34:11-16 га қаранг).

23:28 *Мен Хив, Канъон ва Хет халқларини…қувиб юбораман* — ёки *Мен Хив, Канъон ва Хет халқларини қувиш учун сизлардан олдин қовоқ ариларни юбораман*.

23:31 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади. Ақаба қўлтиғи Исроил юртининг жануби–шарқий чегарасини ташкил қилар эди.

23:31 *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *Филист халқининг денгизи*. Ўрта ер денгизи Исроил юртининг ғарбий чегарасини ташкил қилар эди.

23:31 *…саҳродан Фурот дарёсигача…* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги бу саҳро Исроил юртининг жанубий чегарасини, Фурот дарёси эса шимоли–шарқий чегарасини ташкил қилар эди.

24:1 *Сен Ҳорунни…Менинг ҳузуримга олиб кел* — Худонинг бу оятда айтган амри шу бобнинг 9–оятида амалга ошади.

24:7 *Аҳд китоби* — Мусо ёзган амрлар ва қонун–қоидалар назарда тутилган (шу бобнинг 4–оятига қаранг). 20-23–бобларда Худо Мусога берган амрлар ва қонун–қоидалар ўша китоб таркибига кирган.

24:12 *Тоққа…чиқиб…* — шу бобнинг 9-11–оятларида юз берган ҳодисалардан кейин Мусо ва ёнидаги одамлар тоғдан тушган эдилар. Шу боис, бу оятда Худо Мусога қайтадан тоққа чиқиш ҳақида амр берган эди.

25:5 *юмшоқ тери* — юқори сифатли, ошланган тери назарда тутилган бўлиши мумкин.

25:5 *акас ёғочи* — қуруқ жойларда ўсадиган акас дарахтининг ёғочи қаттиқ, чидамли ва енгил бўлади.

25:6 *муқаддас қиладиган мой* — зайтун мойи ва зираворларнинг махсус аралашмасидан тайёрланиб, фақат руҳонийлар томонидан диний маросимларни адо этиш учун ишлатилган (30:22-33 га қаранг).

25:10 *Сандиқ* — луғатдаги АҲД САНДИҒИ иборасига ишланган расмга қаранг.

25:10 *…узунлиги икки ярим тирсак, эни бир ярим тирсак, бўйи бир ярим тирсак…* — узунлиги тахминан 110 сантиметрга, эни ва бўйи тахминан 70 сантиметрга тўғри келади.

25:16 *аҳднинг амр ва қонунлари ёзилган иккита тош лавҳа* — ибронийча матнда *гувоҳлик*, иккита тош лавҳага ишора. Ўша тош лавҳалар Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди (24:12 га қаранг).

25:17 *…узунлиги икки ярим тирсак, эни бир ярим тирсак…* — шу бобнинг 10–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

25:18-19 *иккита каруб* — қанотли самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

25:18-19 *…олтиндан зарб уриб иккита каруб ясат* — 37:7-8 изоҳига қаранг.

25:21 *иккита тош лавҳа* — ибронийча матнда *гувоҳлик*. Шу бобнинг 16–ояти изоҳига қаранг.

25:22 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. 16:34 изоҳига қаранг.

25:23-24 *хонтахта* — луғатдаги ОЛТИН ХОНТАХТА иборасига ишланган расмга қаранг.

25:23-24 *...узунлиги икки тирсак, эни бир тирсак, бўйи бир ярим тирсак...* — узунлиги тахминан 90 сантиметрга, эни тахминан 45 сантиметрга, бўйи тахминан 70 сантиметрга тўғри келади.

25:30 *муқаддас нонлар* — бу нонлар Эгамизнинг Муқаддас чодирда зоҳир бўлишини акс эттирувчи тимсол бўлиб, Худо Исроил халқининг қудрати ва таъминловчиси эканлигидан дарак бериб турган. Нонлар Чодирдаги махсус хонтахтага қўйилиб, ҳар Шаббат куни янги пиширилган нонлар билан алмаштириб турилган (Левилар 24:5-9 га қаранг).

25:31 *чироқпоя* — луғатдаги ЧИРОҚПОЯ сўзига ишланган расмга қаранг.

25:39 *икки пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

26:1 *Муқаддас чодир* — Муқаддас чодирнинг расми луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган.

26:2 *...бўйи йигирма саккиз тирсак, эни тўрт тирсак...* — бўйи тахминан 12,6 метрга, эни тахминан 1,8 метрга тўғри келади.

26:6 *...Чодирнинг ички қавати бир бутун бўлади* — Чодирни тутиб турадиган ромлар устига ички қаватни ташкил қилган иккита чойшаб ташланади (40:17-19 га қаранг). Чодирни тутиб турадиган ромларнинг бутун узунлиги 30 тирсак (тахминан 13,5 метр), эни 10 тирсак (тахминан 4,5 метр), бўйи 10 тирсак бўлади (шу бобнинг 15-29–оятларига қаранг). Ички қават чойшаблари ҳалқа ва илгаклар ёрдамида бирлаштирилгандан кейин, ички қаватнинг эни 28 тирсакни (тахминан 12,6 метр), узунлиги 40 тирсакни (тахминан 18 метр) ташкил қилади. Ички қават чойшаблари Чодирни тутиб турадиган ромлар устига ташланганда, Чодирнинг икки ёнбошини ёпиб, четлари ердан бир тирсак (тахминан 45 сантиметр) тепада осилиб туради. Чойшаблар Чодирнинг орқа томонини бутунлигича қоплаб, ерга тегиб туради. Чойшаблар Чодирга кираверишни ёпиб турмайди.

26:8 *...бўйи ўттиз тирсак, эни тўрт тирсак...* — бўйи тахминан 13,5 метрга, эни тахминан 1,8 метрга тўғри келади.

26:9-11 *...Чодирнинг қопламаси бир бутун бўлади* — Чодирни тутиб турадиган ромлар устига ички қаватнинг сиртидан қоплама ташланади (40:17-19 га қаранг). Чодирни тутиб турадиган ромларнинг бутун узунлиги 30 тирсак (тахминан 13,5 метр), эни 10 тирсак (тахминан 4,5 метр), бўйи 10 тирсак бўлади (шу бобнинг 15-29–оятларига қаранг). Қопламанинг икки бўлаги ҳалқа ва илгаклар ёрдамида бирлаштирилгандан кейин, қопламанинг эни 30 тирсакни (тахминан 13,5 метр), узунлиги 44 тирсакни (тахминан 19,8 метр) ташкил қилади. Қопламани ташкил қилган чойшаблар Чодирни тутиб турадиган ромлар устига ташланганда, Чодирнинг икки ёнбошини бутунлигича ёпиб, четлари ерга тегиб туради (шу бобнинг 13–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Қоплама Чодирнинг орқа томонини ҳам бутунлигича қоплаб, Чодирнинг орқа томонидан ерга икки тирсак

(тахминан 90 сантиметр) ёйилиб туради (шу бобнинг 12–оятига қаранг). Қоплама Чодирга кираверишни ёпиб турмайди, қопламанинг икки тирсаги юқорисидан узунаси бўйлаб икки букланадиган бўлади (шу бобнинг 9-11–оятларининг охирги гапига қаранг).

26:12 *икки тирсак* — тахминан 90 сантиметрга тўғри келади.

26:12 *...икки тирсак...ерга ёйилиб туради* — шу бобнинг 9-11–оятлари изоҳига қаранг.

26:13 *Қопламанинг эни охиридаги қўшимча бир тирсак...Чодирни бутунлай қоплайди* — бир тирсак тахминан 45 сантиметрга тўғри келади. Қоплама ички қаватдан икки тирсак энлироқ бўлгани учун Чодирнинг икки ёнбошидан ергача осилиб турар эди (шу бобнинг 6, 9-11–оятларига берилган изоҳларга қаранг). Қоплама Чодирнинг томини, икки ёнбошини ва орқа томонини тўлиқ қоплаб тургани учун, Чодирнинг ички қавати ташқаридан умуман кўринмас эди.

26:14 *юмшоқ тери* — 25:5 нинг биринчи изоҳига қаранг.

26:15 *Акас ёғочи* — 25:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

26:15 *ромлар* — луғатдаги РОМЛАР сўзига ишланган расмга қаранг.

26:16 *...бўйи ўн тирсак, эни бир ярим тирсак...* — бўйи тахминан 4,5 метрга, эни тахминан 70 сантиметрга тўғри келади.

26:29 *...тамбаларни ушлаб турадиган олтин ҳалқаларни ромларга бирлаштир...* — ромлар бир–бирига тамбалар ёрдамида бирлаштирилар эди. Тамбалар ромлардаги ҳалқалардан ўтказилар эди. Тамбалар қай тарзда ўрнаштирилгани матнда аниқ ёзилмаган. Ҳар девордаги тўртта тамба деворнинг ярим узунлигида бўлиб, ромлардаги юқори ва пастки ҳалқалардан ўтказилган бўлиши мумкин. Ромларнинг ўртасидан ўтказилган тамба эса Чодирнинг узунлигида бўлиб, барча ромларни бирлаштирар эди (шу бобнинг 28–оятига қаранг).

26:33 *Чодир шипидаги илгаклар* — бу илгаклар ёрдамида Чодирнинг ички қаватини ташкил қилган икки чойшаб бир–бирига бирлаштирилади (шу бобнинг 4-6–оятларига қаранг). Бу ички қават Чодирни тутиб турадиган ромлар устига ташланади (40:17-19 га қаранг). Мана шу ички қаватни бирлаштирган илгаклар бир қатор бўлиб, Чодирнинг бутун эни бўйлаб чўзилади. Илгаклар қатори Чодирга кираверишдан 20 тирсак (тахминан 9 метр) масофада жойлашади (шу бобнинг 6–ояти изоҳига қаранг). Шунинг учун Чодирнинг Энг муқаддас хонаси куб шаклида бўлиб, ҳар бир деворнинг эни, бўйи ва узунлиги 10 тирсакни (тахминан 4,5 метр) ташкил қилади.

26:33 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи (шу бобнинг 34–оятида ҳам бор). 16:34 изоҳига қаранг.

27:1 *Акас ёғочи* — 25:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

27:1 *қурбонгоҳ* — луғатдаги ҚУРБОНГОҲ сўзи остида берилган БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ иборасига ишланган расмга қаранг.

27:1 *...узунлиги беш тирсак, эни ҳам беш тирсак, бўйи уч тирсак...* — узунлиги ва эни тахминан 2,3 метрга, бўйи тахминан 1,4 метрга тўғри келади.

27:9 *юз тирсак* — тахминан 45 метрга тўғри келади (шу бобнинг 11–оятида ҳам бор).

27:12 *эллик тирсак* — тахминан 22,5 метрга тўғри келади (шу бобнинг 13–оятида ҳам бор).

27:14-15 *ўн беш тирсак* — тахминан 6,8 метрга тўғри келади.

27:16 *йигирма тирсак* — тахминан 9 метрга тўғри келади.

27:18 *...узунлиги юз тирсак, эни эллик тирсак...* — узунлиги тахминан 45 метрга, эни тахминан 22,5 метрга тўғри келади.

27:18 *беш тирсак* — тахминан 2,3 метрга тўғри келади.

27:21 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. 16:34 изоҳига қаранг.

28:2 *руҳонийлик либослари* — луғатдаги РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига ишланган расмларга қаранг.

28:6 *Эфод* — луғатдаги РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига ишланган расмларга қаранг.

28:14 *Бу иккала занжирнинг бир учи уяга маҳкамланади* — ушбу олтин занжирлар ва уялар ёрдамида кўкракпеч эфоднинг елка боғичларига боғланади (шу бобнинг 22-25–оятларига қаранг). Бу оятдаги уялар шу бобнинг 9-11–оятларидаги уялардан бошқа.

28:15 *кўкракпеч* — луғатдаги КЎКРАКПЕЧ сўзига ишланган расмга қаранг.

28:15 *...кўкракпеч ясат. У ҳукм қилаётганда, Худонинг хоҳишини билиш учун мана шу кўкракпечдан фойдаланади* — ибронийча матнда *...ҳукм кўкракпечи ясат*. Кўкракпечнинг халтасида Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалар сақланган. Айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун Урим ва Туммимдан фойдаланишган (Саҳрода 27:21, 1 Шоҳлар 14:41, 28:6, Эзра 2:63, Нахимиё 7:65 га қаранг). Тахминларга кўра, булар қуръа ташлашда ишлатилган бўлиб, бири “ҳа”, иккинчиси “йўқ”ни билдирарди. Шу сабабдан кўкракпеч “ҳукм кўкракпечи” деб номланган эди (шу бобнинг 30–оятига қаранг).

28:17 *тўрт қатор тош* — ибронийча матнда айтиб ўтилган баъзи қимматбаҳо тошларнинг тури баҳсли.

28:22-23 *...иккита занжирни ол* — шу бобнинг 14–оятида айтиб ўтилган иккита занжирга ишора.

28:25 *...иккинчи учини нақшли олтин уяларга маҳкамлат* — бу гап шу бобнинг 14–оятида берилган кўрсатманинг такроридир.

28:29 *кўкракпеч* — ибронийча матнда *ҳукм кўкракпечи* (шу бобнинг 30–оятида ҳам бор). Шу бобнинг 15–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

28:31 *Эфоднинг ридоси* — узун, енгсиз бир кийим бўлиши мумкин. Ридо эфоднинг тагидан, нақшли кўйлакнинг устидан кийилар эди (29:5 га ва Левилар 8:7 га қаранг).

28:33-34 *анор* — қадимги пайтларда ҳаёт рамзи эди.

28:42 *Тананинг очиқ жойлари кўриниб қолмасин...* — 20:26 изоҳига қаранг.

29:5 *Ҳорунга...кийгиз* — олий руҳоний Ҳорун кўйлаги устидан белбоғ боғлаган, лекин бу белбоғ ридо ва эфоднинг тагида бўлган (Левилар 8:7 га қаранг). Бу ҳақда кейинроқ, шу бобнинг 9–оятида айтиб ўтилади (яна 28:2-4 га қаранг).

29:7 *муқаддас қиладиган мой* — 25:6 изоҳига қаранг.

29:12 *қурбонгоҳнинг шохлари* — 27:2 га қаранг.

29:13 *жигарнинг аъло қисми* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси

жигарнинг туртиб чиққан жойи (шу бобнинг 22–оятида ҳам бор). Бу ўринда нима учун жигарнинг айнан шу қисми ҳақида сўз кетгани аниқ эмас. Баъзи олимларнинг фикри бўйича, жигарнинг бу қисми энг аъло қисм ҳисобланиб, Эгамизга атаб куйдиришга лойиқ эди. Бошқаларнинг айтишича эса, бутпараст халқлар жигарнинг бу қисмини фол очишда ишлатганлари учун, уни куйдириб йўқ қилиш керак эди. Бошқа олимлар эса бу ўриндаги ибронийча сўзни "жигарни қоплаб турган парда" деб талқин қилишади.

29:14 *гуноҳ қурбонлиги* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

29:20 *солинчак* — қулоқнинг пастки юмшоқ қисми.

29:32 *саватдаги нонлар* — шу бобнинг 2-3, 23–оятларига қаранг.

29:40-41 *икки коса* — ибронийча матнда *чорак хин*, тахминан 1 литрга тўғри келади (шу оятда икки марта ишлатилган).

29:40-41 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

30:1 *акас ёғочи* — 25:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

30:1 *қурбонгоҳ* — луғатдаги ҚУРБОНГОҲ сўзи остида берилган ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ иборасига ишланган расмга қаранг.

30:2 *...узунлиги бир тирсак, эни ҳам бир тирсак, бўйи эса икки тирсак...* — узунлиги ва эни тахминан 45 сантиметрга, бўйи тахминан 90 сантиметрга тўғри келади.

30:6 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи (шу бобнинг 26–оятида ҳам бор). 16:34 изоҳига қаранг.

30:9 *муқаддас тутатқи* — зираворларнинг махсус аралашмасидан ҳосил бўлган бу тутатқининг тури фақат тутатқи қурбонгоҳи устида куйдирилиши мумкин эди (шу бобнинг 34-38–оятларига қаранг).

30:10 *бир йилда бир марта* — Покланиш кунига ишора (Левилар 16:18-19 га қаранг). Покланиш куни иброний календарининг еттинчи ойи — Тишри ойининг ўнинчи кунида нишонланган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

30:12 *ҳимоя қиладиган тўлов* — шу бобнинг 15–ояти изоҳига қаранг.

30:13-14 *...1,25 мисқол кумушдан...* — ибронийча матнда *...ярим шақалдан ол. Ҳар бир шақалнинг оғирлиги Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалнинг оғирлигига тенг келиб, 20 гера бўлсин....* 20 гера тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, ҳар бир одам берган кумуш тахминан 6 граммга тўғри келади.

30:15 *...ўзларини Менинг ҳукмимдан ҳимоя қиладиган назрни...* — қадимги Исроилда одамларни санаш хавфли ҳисобланар эди (1 Шоҳлар 24–бобга қаранг), чунки бутун одамзод Худога тегишли, деб ҳисобланган ҳамда санаш эгалик маъносини билдирган. Бундан ташқари, одамларни санаш Худога ишонмасликни ҳам билдириши мумкин. Одамларни санаш лашкарнинг сонига иониш ва сохта хавфсизлик ҳиссини вужудга келтириши мумкин эди. Одамларни санаш ҳукмга олиб келиши мумкин бўлгани учун, мана шу парчада Худо, саналган одамлар Менга назр келтирсинлар, деб амр берган. Шу йўл билан саналган одамлар

ўзларининг Худога бўлган қўрқувларини намоён этиб, ўзларини ҳимоя қилар эдилар.

30:23 *1250 мисқол* — ибронийча матнда *500 шақал*, тахминан 6 килога тўғри келади.

30:23 *суюқ мирра* — маълум бир дарахтлар елимидан тайёрланган хушбўй мой.

30:23 *625 мисқол* — ибронийча матнда *250 шақал*, тахминан 3 килога тўғри келади (шу оятда икки марта ишлатилган).

30:24 *...1250 мисқол кассия* — ибронийча матнда *...500 шақал кассия, ҳар бири Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра ўлчанган*. Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, 500 шақал кассия тахминан 5,5 килога тўғри келади.

30:24 *Саккиз коса* — ибронийча матнда *бир хин*, тахминан 4 литрга тўғри келади.

30:36 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. 16:34 изоҳига қаранг.

31:7 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. 16:34 изоҳига қаранг.

31:11 *муқаддас қиладиган мой* — 25:6 изоҳига қаранг.

31:18 *...Худо Синай тоғида Мусо билан гапини тугатиб...* — Эгамиз тоғда Мусога берган барча кўрсатмалар 25:1-31:17 да қайд этилган (24:18 га қаранг).

31:18 *аҳд* — ибронийча матнда *гувоҳлик*. 25:16 изоҳига қаранг.

32:1 *Мусо тоғда узоқ қолиб кетди* — 24:18 га қаранг.

32:4 *...буқа ясади...буқани олтин билан қоплади* — қадимги пайтларда кўпинча бутларни ёғочдан ясаб, устини олтин билан қоплашар эди. Шу сингари, бу парчада айтиб ўтилган буқа ҳам бутунлай олтиндан ясалмаган бўлиши мумкин (яна шу бобнинг 20–оятига қаранг, ўша оятда Мусо буқани оловда ёққани, сўнг уни эзиб, кукун қилгани ёзилган).

32:13 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

32:15 *аҳд* — ибронийча матнда *гувоҳлик*. 25:16 изоҳига қаранг.

32:20 *сувга сочди* — Қонунлар 9:21 га қаранг.

32:27 *...биродарингизни, қўшнингизни ва яқин қариндошингизни ўлдиринг* — бу амр, исённинг йўлбошчиларини ўлдиринг, деган маънони билдириши мумкин. Ўша йўлбошчилар ака–ука, қўшни ёки яқин қариндошдан бўлса ҳам, ўлдирилиши керак эди. Бутун халқни қирғиндан асраб қолиш учун айбдор одамлар ўлдирилиши шарт эди.

33:3 *Сут ва асал оқиб ётган ўша юрт* — 3:8 изоҳига қаранг.

33:6 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

33:7 *Учрашув чодири* — шу бобнинг 7-11–оятларида айтиб ўтилган чодир Муқаддас чодир эмас (Муқаддас чодир яна Учрашув чодири деб ҳам айтилади). Ўша пайтда Муқаддас чодир ҳали ясалмаган эди (25:10-22, 26:1-37 га қаранг).

33:11 *юзма–юз* — бошқа бир одам ёки мавжудот орқали эмас, балки *тўғридан–тўғри, бевосита, шахсан* деган маънода келган.

33:19 *Мен Ўзимни сенга маълум қиламан* — ибронийча матндан сўзма–сўз

таржимаси *Мен ЙҲВҲ исмимни сизларга эълон қиламан* (3:15 изоҳига қаранг). Яҳудийларнинг тасаввурига кўра одамнинг исми унинг характери ва хулқ–атворини ифодалайди. Мусонинг илтижосига жавобан Худо Ўзини Мусога зоҳир этиб, Ўзининг характери ва фазилатларини маълум қилади (34:5-7 га қаранг).

33:20 *...юзимни...* — бу оятда Худонинг улуғворлиги тўлиқ намоён бўлиши назарда тутилган.

34:5 *...Ўзини Мусога маълум қилди* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ЙҲВҲ исмини эълон қилди*. 3:15, 33:19 нинг изоҳларига қаранг.

34:6 *Мен Эгангман! Мен Эгангман!* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *ЙҲВҲ! ЙҲВҲ!* 3:15 изоҳига қаранг.

34:7 *Минг–минг авлодларга...* — ёки *Мингинчи авлодга...* ёхуд *Минглаб одамларга...*.

34:13 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

34:17 *худолар тасвирлари* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *қуйма худолар*, қадимги пайтларда кенг тарқалган бутларнинг турига ишора. Бу ўринда "қуйма худолар" термини турли хил бутларнинг турига нисбатан ишлатилган (яна 20:3-4 га қаранг).

34:18 *Абиб ойи* — иброний календарининг биринчи ойи (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

34:18 *Мен сизларга амр этганимдай, Абиб ойининг белгиланган вақтида...* — 12:14-20 га қаранг.

34:20 *эшак* — 13:13 нинг биринчи изоҳига қаранг.

34:20 *...ҳамма тўнғич ўғилларни ҳам қайтариб сотиб олишингиз лозим* — Саҳрода 18:15-16 га қаранг.

34:20 *Ҳар ким...назрлар олиб келиши лозим* — бу кўрсатма шу бобнинг 18–оятида айтиб ўтилган Хамиртурушсиз нон байрами билан боғлиқ бўлиши мумкин (23:15 га қаранг).

34:22 *Ҳосил байрами* — ибронийча матнда *Ҳафталар байрами*, Ҳосил байрамининг яна бир номи.

34:22 *Чайла байрами* — ибронийча матнда *Йиғиш байрами*, Чайла байрамининг яна бир номи.

34:23 *учала байрам* — шу бобнинг 18, 22–оятларида айтиб ўтилган учта байрам (яна 23:14-17 га қаранг).

34:24 *уч марта* — шу бобнинг 23–ояти изоҳига қаранг.

34:26 *Улоқчани онасининг сутида қайнатманглар* — 23:19 изоҳига қаранг.

34:29 *иккита лавҳа* — ибронийча матнда *гувоҳликнинг иккита лавҳаси*. 25:16 изоҳига қаранг.

35:7 *юмшоқ тери* — 25:5 нинг биринчи изоҳига қаранг.

35:7 *акас ёғочи* — 25:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

35:8 *муқаддас қиладиган мой* — 25:6 изоҳига қаранг.

35:13 *муқаддас нонлар* — 25:30 изоҳига қаранг.

35:23 *юмшоқ тери* — 25:5 нинг биринчи изоҳига қаранг.

35:30 *...Мусо Исроил халқига айтди...* — 35:30-36:1 да Мусо Исроил халқига Худонинг 31:1-6 айтган гапларини етказиб бермоқда.

36:8 *Муқаддас чодир* — Муқаддас чодирнинг расми луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимида берилган.

36:9 *...бўйи йигирма саккиз тирсак, эни тўрт тирсак...* — бўйи тахминан 12,6 метрга, эни тахминан 1,8 метрга тўғри келади.

36:13 *...Чодирнинг ички қавати бир бутун бўлди* — 26:6 изоҳига қаранг.

36:15 *...бўйи ўттиз тирсак, эни тўрт тирсак...* — бўйи тахминан 13,5 метрга, эни тахминан 1,8 метрга тўғри келади.

36:18 *...Чодирнинг қопламаси бир бутун бўлсин...* — 26:9-11 изоҳига қаранг.

36:19 *юмшоқ тери* — 25:5 нинг биринчи изоҳига қаранг.

36:20 *Акас ёғочи* — 25:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

36:20 *ромлар* — луғатдаги РОМЛАР сўзига ишланган расмга қаранг.

36:21 *...бўйи ўн тирсак, эни бир ярим тирсак...* — бўйи тахминан 4,5 метрга, эни тахминан 70 сантиметрга тўғри келади.

36:34 *...тамбаларни ушлаб турадиган олтин ҳалқаларни ромларга бирлаштирдилар...* — 26:29 изоҳига қаранг.

36:35 *ички парда* — Муқаддас хонани Энг муқаддас хонадан ажратиб турар эди (26:31-33 га қаранг).

37:1 *акас ёғочи* — 25:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

37:1 *Сандиқ* — луғатдаги АҲД САНДИҒИ иборасига ишланган расмга қаранг.

37:1 *...узунлиги икки ярим тирсак, эни бир ярим тирсак, бўйи бир ярим тирсак...* — узунлиги тахминан 110 сантиметрга, эни ва бўйи тахминан 70 сантиметрга тўғри келади.

37:6 *...узунлиги икки ярим тирсак, эни бир ярим тирсак...* — шу бобнинг 1–оятига берилган охирги изоҳга қаранг.

37:7-8 *...олтиндан зарб уриб иккита каруб ясадилар* — олтин карублар ичи бўш қилиб ясалган бўлиши мумкин, аммо бутунлай олтиндан ясалгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

37:10-11 *хонтахта* — луғатдаги ОЛТИН ХОНТАХТА иборасига ишланган расмга қаранг.

37:10-11 *...узунлиги икки тирсак, эни бир тирсак, бўйи бир ярим тирсак...* — узунлиги тахминан 90 сантиметрга, эни тахминан 45 сантиметрга, бўйи тахминан 70 сантиметрга тўғри келади.

37:17 *чироқпоя* — луғатдаги ЧИРОҚПОЯ сўзига ишланган расмга қаранг.

37:24 *икки пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

37:25 *тутатқи қурбонгоҳи* — луғатдаги ҚУРБОНГОҲ сўзи остида берилган ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ иборасига ишланган расмга қаранг.

37:25 *...узунлиги бир тирсак, эни ҳам бир тирсак, бўйи эса икки тирсак...* — узунлиги ва эни тахминан 45 сантиметрга, бўйи тахминан 90 сантиметрга тўғри келади.

37:29 *муқаддас қиладиган мой* — 25:6 изоҳига қаранг.

38:1 *Акас ёғочи* — 25:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

38:1 *қурбонгоҳ* — луғатдаги ҚУРБОНГОҲ сўзи остида берилган БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ иборасига ишланган расмга қаранг.

38:1 *...узунлиги беш тирсак, эни ҳам беш тирсак, бўйи уч тирсак...* — узунлиги ва эни тахминан 2,3 метрга, бўйи тахминан 1,4 метрга тўғри келади.

38:8 *Учрашув чодирига кираверишда хизмат қилган аёллар...* — бу аёллар гуруҳи ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган. Улар Муқаддас Китобнинг яна бир жойида — 1 Шоҳлар 2:22 да тилга олинган. Эҳтимол, бу аёллар алоҳида бир ваъда бўйича ўзларини Худога назр сифатида бағишлаб, Унга хизмат қилганлар (Саҳрода 6:1-2 га қаранг).

38:8 *бронза кўзгулар* — қадимги пайтларда аёллар ишлатадиган кичкина кўзгулар яхши силлиқланган думалоқ шаклдаги металлдан тайёрланар эди.

38:9 *юз тирсак* — тахминан 45 метрга тўғри келади (шу бобнинг 11–оятида ҳам бор).

38:12 *эллик тирсак* — тахминан 22,5 метрга тўғри келади (шу бобнинг 13–оятида ҳам бор).

38:14-15 *ўн беш тирсак* — тахминан 6,8 метрга тўғри келади.

38:18 *йигирма тирсак* — тахминан 9 метрга тўғри келади.

38:18 *беш тирсак* — тахминан 2,3 метрга тўғри келади.

38:21-23 *Муқаддас аҳд чодири* — ибронийча матнда *Чодир — Гувоҳлик чодири*. Муқаддас чодирнинг яна бир номи. Ибронийча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Бу тош лавҳалар Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди. Бу икки тош лавҳа Муқаддас чодирдаги Аҳд сандиғининг ичида сақланарди (40:20 га қаранг).

38:24 *62,5 пуд* — ибронийча матнда *29 таланту 730 шақал эди, булар Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра ўлчанган*. Олтиннинг оғирлиги тахминан 1 тоннага тўғри келади.

38:25 *Санаб чиқилган халқдан йиғилган кумуш* — 30:11-16 га қаранг.

38:25 *214 пуд* — ибронийча матнда *100 таланту 1775 шақал эди, булар Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра ўлчанган*. Кумушнинг оғирлиги тахминан 3,42 тоннага тўғри келади.

38:26 *1,25 мисқол* — ибронийча матнда *бир биқо, яъни ярим шақал, Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра ўлчанган*. Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, биқо тахминан 6 граммга тўғри келади.

38:27 *213 пуд...2 пуддан ортиқ...* — ибронийча матнда *100 талант...1 талант...*. 100 талант — тахминан 3,4 тоннага тўғри келади, 1 талант — тахминан 34 килога тўғри келади.

38:28 *1 пуд* — ибронийча матнда *1775 шақал*, тахминан 20 килога тўғри келади.

38:29 *151 пуд* — ибронийча матнда *70 талант, 2400 шақал*, тахминан 2,4 тоннага тўғри келади.

39:2 *эфод* — луғатдаги РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига ишланган расмларга қаранг.

39:8 *кўкракпеч* — луғатдаги КЎКРАКПЕЧ сўзига ишланган расмга қаранг.

39:10 *тўрт қатор тош* — ибронийча матнда айтиб ўтилган баъзи қимматбаҳо тошларнинг тури баҳсли.

39:22 *Эфоднинг ридоси* — 28:31 изоҳига қаранг.

39:24-26 *анор* — қадимги пайтларда ҳаёт рамзи эди.

39:34 *юмшоқ тери* — 25:5 нинг биринчи изоҳига қаранг.

39:35 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. 16:34 изоҳига қаранг.

39:36 *муқаддас нонлар* — 25:30 изоҳига қаранг.

39:38 *муқаддас қиладиган мой* — 25:6 изоҳига қаранг.

40:2 *Биринчи ой* — 12:2 изоҳига қаранг.

40:3 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи (шу бобнинг 5, 21–оятларида ҳам бор). 16:34 изоҳига қаранг.

40:3 *ички парда* — Муқаддас хонани Энг муқаддас хонадан ажратиб турар эди (26:31-33 га қаранг).

40:4 *…хонтахта олиб кирилсин…Чироқпоя ҳам олиб кирилсин…* — бу жиҳозлар Муқаддас хонага, ички парданинг олдига қўйилган эди (26:35 га ва шу бобнинг 22-23–оятларига қаранг).

40:5 *…Аҳд сандиғи олдига қўйдир* — олтин тутатқи қурбонгоҳи Муқаддас хонага, ички парданинг олдига қўйилган эди (30:6 га ва шу бобнинг 26–оятига қаранг).

40:9 *муқаддас қиладиган мой* — 25:6 изоҳига қаранг.

40:17-18 *Иккинчи йилнинг биринчи ойи* — Исроил халқи Мисрдан чиққанига бир йил бўлиб, иккинчи йил бошланган (12:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг) ва Синай тоғига етиб борганига тахминан тўққиз ой бўлган эди (19:1-2 га қаранг).

40:20 *…аҳднинг амр ва қонунлари ёзилган иккита тош лавҳани…* — ибронийча матнда *…гувоҳликни….* 25:16 изоҳига қаранг.

40:23 *муқаддас нонлар* — 25:30 изоҳига қаранг.

40:29 *қурбонлик билан дон назри* — кундалик назрларга ишора (29:38-41 га қаранг).

ЛЕВИЛАР
(ТАВРОТНИНГ УЧИНЧИ КИТОБИ)

Кириш

Левилар китоби Тавротнинг учинчи китобидир. Мазкур китоб Худонинг Мусо пайғамбарга берган қонун–қоидаларидан ташкил топган. Леви қабиласи Ёқубнинг ўғли Левидан келиб чиққан эди. Ёқубнинг ўн икки ўғли бўлиб, Леви учинчи фарзанди эди. Леви қабиласига мансуб бўлганлар левилар деб аталади, китобга шу қабиланинг номи асос бўлган.

Чиқиш китобида Худо Мусога Муқаддас чодирни ясашга оид кўрсатмалар берган бўлса, бу китобда ўша Муқаддас чодирда хизмат қилиш мавзуси марказий ўринни эгаллайди. Левилар Муқаддас чодирда Худонинг махсус хизматкорлари эдилар. Руҳонийлар Леви қабиласининг Ҳорун уруғидан келиб чиққанлар. Китобнинг асосий қисмида руҳонийларнинг ва бошқа левиларнинг мажбуриятлари баён қилинган. Уларнинг мажбуриятлари Худога бағишлаб қурбонликлар ва назрлар келтиришдан, шунингдек, байрамларни ва турли маросимларни ўтказишдан иборат эди. Китобдан яна ҳалол ва ҳаром ҳайвонларга оид қонунлар, кийим учун қандай матодан фойдаланиш кераклиги тўғрисидаги кўрсатмалар ва камбағалларга ғамхўрлик қилиш қоидалари ўрин олган.

Китобдаги қонун–қоидалар замирида поклик ва муқаддаслик ётади. Муқаддаслик ўзини гуноҳдан сақлаш ва Худога бағишланиб яшашни билдиради. Модомики, Худо Ўз халқининг муқаддас Шоҳи экан, халқ Худонинг ҳузурига келиши учун қурбонликлар қони орқали гуноҳлардан покланиши лозим эди. Бу ишда халққа левилар ёрдам беришарди. Худога манзур бўлиш ва Унинг ҳузуридан баҳраманд бўлиш учун китобдаги барча қонун–қоидаларга риоя қилиш шарт эди.

Китобда қонунлардан ташқари, бир нечта ҳикоялар ҳам ўрин олган. Бу ҳикояларда халқнинг ёки руҳонийларнинг қонунга итоатсизлиги қандай оқибатларга олиб келиши тўғрисида баён қилинади. Шунингдек, қонунга итоаткорликнинг самаралари ҳам айтиб ўтилади.

1–БОБ

Куйдириладиган қурбонликлар

1 Эгамиз Учрашув чодиридан Мусони чақириб, унга 2 Исроил халқи учун
қуйидаги қонунларни берди: бирортангиз Эгамизга қурбонлик қилмоқчи
бўлсангиз, подангиздаги ёки сурувингиздаги ҳайвонни олиб келинг. 3 Борди–ю,
қорамол подасидан бирорта ҳайвонни қурбонлик қилиб, куйдирмоқчи бўлсангиз,
нуқсонсиз бир буқани танлаб олинг. Эгамиз бу қурбонлигингизни* қабул қилиши
учун буқани Учрашув чодири кираверишига олиб келинг.
4 Куйдириладиган ҳайвоннинг бошига қўлингизни қўйинг, шунда Эгамиз
сизни гуноҳингиздан поклаш учун бу қурбонлигингизни қабул қилади.
5 Сўнг буқани Эгамизнинг ҳузурида сўйинг. Ҳоруннинг руҳоний ўғиллари
буқанинг қонини олиб, Учрашув чодирига кираверишда турган қурбонгоҳнинг
тўртала ён томонига сепиб чиқишсин. 6 Сиз эса куйдириладиган қурбонликнинг
терисини шилиб, танасини бўлакларга бўлинг. 7 Руҳоний Ҳоруннинг ўғиллари
қурбонгоҳга чўғ солиб, устига ўтин қалашсин. 8 Сўнг қурбонликнинг
бўлакларини, шунингдек, калласини ва ёғларини қурбонгоҳдаги ёниб турган

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

ўтинлар устига қўйишсин. 9 Сиз эса қурбонликнинг ичак–човоқлари ва оёқларини ювинг. Сўнг руҳоний буларнинг ҳаммасини қурбонгоҳда куйдирсин. Оловда куйдирилган бу қурбонликдан Эгамизга ёқимли ҳид боради.

10 Борди–ю, сиз сурувингиздаги қўй ёки эчкини қурбонлик қилиб куйдирмоқчи бўлсангиз, нуқсонсиз қўчқор ёки такани олиб келинг. 11 Уни қурбонгоҳнинг шимол тарафида, Эгамизнинг ҳузурида сўйинг. Ҳоруннинг руҳоний ўғиллари қурбонликнинг қонини қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига сепиб чиқишсин. 12 Сиз қурбонликни бўлакларга бўлинг. Руҳоний эса бўлакларни қурбонликнинг калласи ва ёғлари билан бирга қурбонгоҳдаги ёниб турган ўтинлар устига қўйсин. 13 Сиз қурбонликнинг ичак–човоқлари ва оёқларини ювинг. Руҳоний буларнинг ҳаммасини келтириб, қурбонгоҳда куйдирсин. Оловда куйдирилган бу қурбонликдан Эгамизга ёқимли ҳид боради.

14 Агар бирор қушни Эгамизга қурбонлик қилиб, куйдирмоқчи бўлсангиз, каптар ёки мусичани* олиб келинг. 15 Руҳоний уни қурбонгоҳ олдига олиб келиб, бўйнини узсин, сўнг бошини қурбонгоҳда куйдирсин. Қонини эса қурбонгоҳнинг ёнига оқизсин. 16 Жиғилдонини, ичидаги нарсалари билан бирга, суғуриб олиб*, қурбонгоҳнинг шарқ тарафига, кул турган ерга ташласин. 17 Кейин қанотларидан тортиб, танасини ярмигача бўлсин, лекин икки қисмга ажратмасин. Сўнг уни қурбонгоҳдаги ёниб турган ўтинлар устига қўйиб куйдирсин. Оловда куйдирилган бу қурбонликдан Эгамизга ёқимли ҳид боради.

2–БОБ

Дон назри

1 Агар бирортангиз Эгамизга дон назрини келтирмоқчи бўлсангиз, сифатли буғдой унини назр қилинг. Буғдой унига зайтун мойини қўшиб, устига хушбўй тутатқидан қўйинг. 2 Сўнг ўша буғдой унини Ҳоруннинг руҳоний ўғилларига олиб келинг. Руҳоний мой қўшилган сифатли уннинг бир ҳовучини ва устидаги тутатқининг ҳаммасини олиб, қурбонгоҳ устида куйдирсин. Бундай қилиш назрнинг ҳаммаси Худога тегишли эканини билдиради. Оловда куйдирилган бу назрдан Эгамизга ёқимли ҳид боради. 3 Дон назрининг қолгани эса Ҳорун ва унинг ўғилларники бўлсин. Назрнинг руҳонийларга тегишли бу қисми ғоят муқаддасдир, чунки у Эгамизга аталган, оловда куйдириладиган назрлардан қолган қисмидир.

4 Агар тандирда ёпилган нонни дон назри сифатида келтирмоқчи бўлсангиз, зайтун мойига қорилган нонларни ёки юзига зайтун мойи суртилган чалпакларни назр қилинг. Уларни сифатли ундан ёпиб, хамиртуруш қўшманг. 5 Агар товада пиширилган нонни назр қилмоқчи бўлсангиз, нонингиз зайтун мойига қорилган сифатли ундан ёпилган бўлсин. Унга хамиртуруш қўшманг. 6 Нонни синдириб, устига зайтун мойидан қуйинг. Бу дон назридир. 7 Агар назрингиз қозонда тайёрланган бўлса, у сифатли ундан тайёрланган бўлиб, зайтун мойида қовурилган бўлиши керак. 8 Дон назрингизни қайси усулда тайёрлаганингиздан қатъий назар, уни Эгамизга олиб келиб, руҳонийга беринг. Руҳоний эса уни қурбонгоҳга олиб борсин. 9 Руҳоний дон назрингизнинг бир қисмини олиб, қурбонгоҳда куйдирсин. Бундай қилиш назрнинг ҳаммаси Худога тегишли эканини билдиради. Оловда куйдирилган бу назрдан Эгамизга ёқимли ҳид боради. 10 Дон назрингизнинг қолгани эса Ҳорун ва унинг ўғилларники бўлсин. Назрнинг руҳонийларга тегишли бу қисми ғоят муқаддасдир, чунки у Эгамизга аталган, оловда куйдириладиган назрлардан қолган қисмидир.

11 Эгамизга келтирадиган дон назрингизнинг бирортасига хамиртуруш
қўшманг. На хамиртурушни, на қиёмни оловда куйдириб, Эгамизга назр қилманг.
12 Хамиртуруш ва қиёмни илк ҳосил назрингизга қўшиб, Эгамизга келтиришингиз
мумкин. Лекин Эгамизга ёқимли ҳид борсин деб, буларни қурбонгоҳ устида
куйдирманг. 13 Дон назрингизнинг ҳаммасига туз қўшинг. Зотан, туз Худойингиз
сизлар билан тузган аҳдни билдиради*. Шундай экан, бирорта назрингиз тузсиз
бўлмасин.
14 Агар Эгамизга илк ҳосилингиздан дон назри келтирмоқчи бўлсангиз,
қовурилган янги буғдой бошоқларини туйиб, олиб келинг. 15 Бу дон назри
бўлгани учун унга зайтун мойини қўшиб, устига хушбўй тутатқидан қўйинг.
16 Руҳоний туйилган буғдойнинг бир қисмини, устидаги мой ва ҳамма тутатқи
билан бирга қурбонгоҳ устида куйдирсин. Бундай қилиш назрнинг ҳаммаси
Худога тегишли эканини билдиради. Эгамизга атаб, оловда куйдирилган дон
назри шудир.

3–БОБ

Тинчлик қурбонлиги

1 Агар подангиздаги бирорта ҳайвонни тинчлик қурбонлиги қилмоқчи
бўлсангиз, нуқсонсиз сигир ёки буқани Эгамиз олдига олиб келинг. 2 Қўлингизни
қурбонликнинг бошига қўйинг, сўнг уни Учрашув чодирининг кираверишида
сўйинг. Ҳоруннинг руҳоний ўғиллари қурбонликнинг қонини қурбонгоҳнинг
тўртала ён томонига сепиб чиқишсин. 3 Сиз тинчлик қурбонлигининг қуйидаги
қисмларини оловда куйдириб, Эгамизга назр қилинг: ичак–човоқларини қоплаб
турган ёғларни, ҳамма чарвини, 4 иккала буйракни, буйрак атрофидаги ёғларини
ва жигарнинг аъло қисмини*. Жигарнинг аъло қисми буйраклар билан бирга
ажратиб олинган бўлиши лозим. 5 Сўнг Ҳоруннинг ўғиллари буларни
қурбонгоҳда, ёниб турган ўтин устидаги куйдириладиган қурбонлик билан бирга
куйдирсинлар. Оловда куйдирилган бу қурбонликдан Эгамизга ёқимли ҳид
боради.
6 Агар Эгамизга сурувингиздаги ҳайвонни тинчлик қурбонлиги қилмоқчи
бўлсангиз, нуқсонсиз урғочи ёки эркак жониворни олиб келинг. 7 Қўйни
қурбонлик қилмоқчи бўлсангиз, уни Эгамиз олдига олиб келиб, 8 қўлингизни
қурбонликнинг бошига қўйинг. Сўнг уни Учрашув чодири олдида сўйинг.
Ҳоруннинг ўғиллари қурбонликнинг қонини қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига
сепиб чиқишсин. 9 Сиз тинчлик қурбонлигининг қуйидаги қисмларини оловда
куйдириб, Эгамизга назр қилинг: думғазадан бошлаб кесиб олинган думбасини,
ичак–човоқларини қоплаб турган ёғларни, ҳамма чарвини, 10 иккала буйракни,
буйрак атрофидаги ёғларини ва жигарнинг аъло қисмини. Жигарнинг аъло
қисми буйраклар билан бирга ажратиб олинган бўлиши лозим. 11 Руҳоний
буларни таом назри сифатида қурбонгоҳ устида куйдирсин. Эгамизга
келтирилиб, оловда куйдириладиган қурбонлик шудир.
12 Агар Эгамизга эчкини қурбонлик қилмоқчи бўлсангиз, уни Эгамизнинг
олдига олиб келинг. 13 Қўлингизни эчкининг бошига қўйиб, уни Учрашув чодири
олдида сўйинг. Сўнг Ҳоруннинг ўғиллари эчкининг қонини қурбонгоҳнинг
тўртала ён томонига сепиб чиқишсин. 14 Сиз қурбонликнинг қуйидаги
қисмларини оловда куйдириб Эгамизга назр қилинг: ичак–човоқларини қоплаб
турган ёғларни, ҳамма чарвини, 15 иккала буйракни, буйрак атрофидаги ёғларини
ва жигарнинг аъло қисмини. Жигарнинг аъло қисми буйраклар билан бирга

ажратиб олинган бўлиши лозим. 16 Сўнг руҳоний буларнинг ҳаммасини таом
назри сифатида қурбонгоҳ устида куйдирсин. Оловда куйдирилган бу
қурбонликдан Эгамизга ёқимли ҳид боради.
Ёғнинг ҳаммаси Эгамизга тегишлидир. 17 Ёғ ва қонни тановул қилманг. Қаерда
яшашингиздан қатъий назар, бутун авлодингиз бу қонунга доимо риоя қилсин.

4–БОБ

Билмасдан қилинган гуноҳ учун назрлар

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Исроил халқига қуйидаги қоидаларни берди: агар
бирорта одам Эгамизнинг амрига кўра тақиқланган бирор ишни билмасдан
қилиб қўйиб, гуноҳ орттириб олса, қуйидагича иш тутсин: 3 мой суртиб танланган
руҳоний гуноҳ қилиб қўйса, у бутун халқни айбдор қилиб қўйган бўлади. У қилган
гуноҳи учун нуқсонсиз буқани гуноҳ қурбонлиги сифатида Эгамизга келтирсин.
4 Буқани Учрашув чодири кираверишига олиб келиб, қўлини буқанинг бошига
қўйсин. Сўнг буқани ўша ерда — Эгамизнинг ҳузурида сўйсин. 5 Мой суртиб
танланган руҳоний буқанинг қонидан олиб, Учрашув чодирига олиб кирсин. 6 У
бармоғини қонга ботириб, қонни Эгамизнинг ҳузурида, Энг муқаддас хонани
тўсиб турган ички парда томонга етти марта сачратсин. 7 Сўнг қонни Эгамизнинг
ҳузурида Учрашув чодиридаги хушбўй тутатқи қурбонгоҳининг шохларига*
суртсин. Буқанинг ортган қонини эса Учрашув чодирига кираверишдаги
қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳнинг ёнига тўксин. 8 Гуноҳ қурбонлиги
қилинган буқанинг ҳамма ёғларини ажратиб олсин: ичак–човоқларини қоплаб
турган ёғларни, ҳамма чарвини, 9 иккала буйракни, буйрак атрофидаги ёғларни
ва жигарнинг аъло қисмини*. Жигарнинг аъло қисми буйраклар билан бирга
ажратиб олинган бўлиши лозим. 10 Тинчлик қурбонлигининг ёғлари қандай
ажратиб олинса, гуноҳ қурбонлигининг ёғлари ҳам шу усулда ажратиб олинсин.
Руҳоний ёғларни қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ устида куйдирсин.
11 Буқанинг қолган қисмларини: терисини, гўштини, калласини, оёқларини ва
ичак–човоқларини 12 қароргоҳнинг ташқарисидаги кул тўкиладиган ҳалол жойга
олиб чиқиб, ўтинлар устида куйдирсин.
13 Агар бутун жамоа Эгамизнинг амрига кўра тақиқланган бирор ишни
билмасдан қилиб, гуноҳ орттириб олса, улар бундан хабарсиз бўлган тақдирда
ҳам, барибир айбдор бўладилар. 14 Қилган гуноҳлари фош бўлгандан кейин, улар
бутун жамоа номидан гуноҳ қурбонлиги қилиш учун буқани Учрашув чодири
олдига олиб келишсин. 15 Жамоа оқсоқоллари буқанинг бошига қўлларини қўйиб,
уни ўша ерда — Эгамизнинг ҳузурида сўйишсин. 16 Мой суртиб танланган
руҳоний буқанинг қонидан Учрашув чодирига олиб кирсин. 17 У бармоғини қонга
ботириб, қонни Эгамизнинг ҳузурида ички парда томонга етти марта сачратсин.
18 Сўнг Эгамизнинг ҳузурида турган Учрашув чодиридаги тутатқи
қурбонгоҳининг шохларига қондан суртсин. Буқанинг қолган қонини эса
Учрашув чодирига кираверишдаги қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳнинг
ёнига тўксин. 19 Кейин буқанинг ёғларини ажратиб олиб қурбонгоҳ устида
куйдирсин. 20 Руҳонийнинг гуноҳи учун келтирилган буқани нима қилган бўлса,
бу буқани ҳам ўшандай қилсин. Шу йўсинда руҳоний жамоани гуноҳдан покласин,
шунда уларнинг гуноҳи кечирилади. 21 Сўнг руҳоний буқанинг қолган
қисмларини қароргоҳдан ташқарига олиб чиқиб, олдинги буқани куйдиргандай
куйдирсин. Жамоанинг гуноҳи учун келтириладиган қурбонлик шудир.
22 Агар ҳукмдор ўз Эгаси Худонинг амрига кўра тақиқланган бирор ишни

билмасдан қилиб қўйиб, гуноҳ орттириб олса, у айбдор бўлади. 23 Қилган гуноҳи
фош бўлгандан кейин, у нуқсонсиз бир такани қурбонлик қилиш учун олиб
келсин. 24 Сўнг қўлини таканинг бошига қўйиб, такани Эгамизнинг ҳузурида,
куйдириладиган қурбонликлар бўғизланадиган жойда сўйсин. Бу гуноҳ
қурбонлигидир. 25 Руҳоний бармоғини гуноҳ қурбонлиги қонига ботириб, қонни
қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ шохларига* суртсин. Қоннинг қолганини
эса қурбонгоҳнинг ёнига тўксин. 26 Сўнг така ёғининг ҳаммасини тинчлик
қурбонлигининг ёғини куйдиргандай, қурбонгоҳ устида куйдирсин. Руҳоний шу
тариқа ҳукмдорни гуноҳдан покласин, шунда ҳукмдорнинг гуноҳи кечирилади.
27 Агар жамоа аъзоси Эгамизнинг амрига кўра тақиқланган бирор ишни
билмасдан қилиб қўйиб, гуноҳ орттириб олса, у айбдор бўлади. 28 Қилган гуноҳи
фош бўлгандан кейин, нуқсонсиз эчкини қурбонлик қилиш учун олиб келсин. 29 У
қўлини гуноҳ қурбонлигининг бошига қўйсин, сўнг уни куйдириладиган
қурбонликлар бўғизланадиган жойда сўйсин. 30 Руҳоний бармоғини
қурбонликнинг қонига ботириб, қонни қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ
шохларига суртсин. Қоннинг қолганини эса қурбонгоҳнинг ёнига тўксин.
31 Тинчлик қурбонлигининг ёғи ажратиб олингандай, эчкининг ёғларини
ажратиб олсин. Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун ёғни қурбонгоҳ устида
куйдирсин. Шу тариқа руҳоний гуноҳ қилган одамни гуноҳидан покласин, шунда
ўша одамнинг гуноҳи кечирилади.
32 Агар жамоа аъзоси қўйни гуноҳ қурбонлиги қилмоқчи бўлса, нуқсонсиз
совлиқни олиб келсин. 33 У қўлини гуноҳ қурбонлигининг бошига қўйсин, сўнг
уни куйдириладиган қурбонликлар бўғизланадиган жойда сўйсин. 34 Руҳоний ўз
бармоғини гуноҳ қурбонлигининг қонига ботириб, қонни қурбонлик
куйдириладиган қурбонгоҳ шохларига суртсин. Қолган қонни эса қурбонгоҳнинг
ёнига тўксин. 35 Тинчлик қурбонлиги қилинган қўйнинг ёғи қандай ажратиб
олинса, бу қурбонликнинг ҳам ёғларини худди шундай қилиб ажратиб олсин.
Сўнг буларни қурбонгоҳ устида, Эгамизга келтирилган назрлар билан бирга
оловда куйдирсин. Шу тариқа руҳоний гуноҳ қилган одамни гуноҳдан покласин,
шунда унинг гуноҳи кечирилади.

5–БОБ

Билмасдан қилинган гуноҳлар

1 Қуйидаги вазиятларда гуноҳ қурбонлиги келтирилиши шарт: агар
орангиздаги бирор киши гувоҳлик бериш учун маҳкамага чақирилса–ю, кўрган
ёки билган ҳодиса ҳақида гувоҳлик беришдан бўйин товласа, у жазога тортилсин.
2 Биронтангиз ҳаром нарсага — ёввойи ҳайвоннинг, чорванинг ёки судралиб
юрувчининг мурдасига қўл теккизсангиз–у, ҳаром бўлганингизни билмасангиз,
сиз барибир айбдор ҳисобланасиз. 3 Борди–ю, инсоннинг бирор нопоклигига қўл
теккизсангиз–у, ҳаром бўлганингизни билмасангиз, қилиб қўйган ишингизни
англаганингиздан кейин айбдор ҳисобланасиз. 4 Агар бирортангиз билмай туриб,
шошилганингиздан яхши ёки ёмон ниятда қасам ичиб қўйсангиз, қилиб қўйган
ишингизни англаганингиздан кейин айбдор ҳисобланасиз. 5 Айтилганларнинг
бирортасида ўзингизни айбдор деб топсангиз, қилган гуноҳингизни эътироф
этинг. 6 Қилган гуноҳингизнинг тўлови сифатида сурувингиздаги қўй ёки эчкини
Эгамизга гуноҳ қурбонлиги қилиш учун олиб келинг. Руҳоний қурбонлик қилиб,
сизни гуноҳдан покласин.
7 Борди–ю, қўйни қурбонлик қилишга қурбингиз етмаса, гуноҳингиз тўлови

сифатида иккита каптар ёки иккита мусичани Эгамизга олиб келинг. Қушнинг биттаси гуноҳ қурбонлиги, иккинчиси куйдириладиган қурбонлик қилинсин.
8 Қушларни руҳонийга олиб келинг. Руҳоний қушлардан бирини гуноҳ қурбонлиги учун олиб, қушнинг бўйнини қайириб синдирсин, лекин бошини узиб ташламасин. 9 Сўнг гуноҳ қурбонлигининг қонидан қурбонгоҳнинг ён томонига сепсин, қоннинг қолганини эса қурбонгоҳнинг ёнига тўксин. Бу гуноҳ қурбонлигидир. 10 Қушнинг иккинчисини эса қоидага биноан куйдириладиган қурбонлик қилсин. Шу тариқа руҳоний сизни гуноҳингиздан поклайди, қилган гуноҳингиз кечирилади.

11 Иккита каптар ёки иккита мусичани қурбонлик қилишга қурбингиз етмаса, қилган гуноҳингиз учун тўрт коса* сифатли унни гуноҳ назри учун олиб келинг. Унга зайтун мойидан қўшманг, устига хушбўй тутатқидан ҳам қўйманг, зотан, бу гуноҳ учун келтириладиган назрдир. 12 Назрингизни руҳонийга олиб келинг. Руҳоний уннинг бир ҳовучини олиб, Эгамизга атаб, оловда куйдириладиган назрлар билан бирга қурбонгоҳ устида куйдирсин. Бундай қилиш, уннинг ҳаммаси Худога тегишли эканини билдиради. 13 Шу тариқа руҳоний сизни қилган ҳар қандай гуноҳингиздан поклайди, шунда гуноҳингиз кечирилади. Гуноҳ назрининг ортиб қолган қисми дон назри сингари, руҳонийга тегишлидир.

Зарарни қоплайдиган қурбонликлар

14 Эгамиз Мусога қуйидаги қоидаларни берди: 15 агар бирортангиз билмаган ҳолда гуноҳ қилиб, эҳсонларга оид кўрсатмаларни бузиб қўйсангиз, айб қурбонлигини келтиринг. Айб қурбонлиги сифатида Эгамизга нуқсонсиз бир қўчқорни ёки қўчқорнинг қийматига яраша кумушни олиб келинг*. Бу айб қурбонлигидир. 16 Эҳсонларга келтирган зарарни қоплашингиз учун руҳонийга товон тўланг. Бунинг устига эҳсон қийматининг бешдан бир қисмини қўшиб беринг. Руҳоний қўчқорни айб қурбонлиги қилиб, сизни гуноҳингиздан поклайди, шунда гуноҳингиз кечирилади.

17 Агар бирортангиз Эгамизнинг амрига кўра тақиқланган бирор ишни билмасдан қилиб қўйиб, гуноҳ орттириб олсангиз, қилган ишингизни англаганингиздан кейин жазога лойиқ ҳисобланасиз. 18 Бундай ҳолда руҳонийга айб қурбонлиги сифатида нуқсонсиз бир қўчқорни ёки қўчқорнинг қийматига яраша кумушни олиб келинг. Руҳоний сизни гуноҳингиздан поклайди, шунда билмасдан қилиб қўйган гуноҳингиз кечирилади. 19 Бу айб қурбонлигидир. Сиз ҳақиқатан ҳам, Эгамизнинг олдида айбли иш қилиб қўйган эдингиз.

6–БОБ

1 Эгамиз Мусога қуйидаги қоидаларни берди: 2 агар бирортангиз Эгамизга хиёнат қилсангиз, яъни сизга омонатга берилган ёки гаровга қўйилган нарса борасида қўшнингизни алдасангиз, ёки қўшнингизнинг бирор нарсасини ўғирласангиз, ёки товламачилик қилсангиз, 3 ёки йўқолган нарсани топиб олиб, топмадим, деб айтсангиз, ёки қасам ичиб туриб ёлғон гувоҳлик берсангиз, сиз гуноҳ қилган бўласиз. 4 Гуноҳ қилиб, айбингизни тан олганингиздан кейин ўғирлаган, товламачилик қилиб қўлга киритган, омонатга берилган, топиб олган,
5 ёлғон қасам ичиб ўзингизга олиб қолган ҳар қандай нарсани эгасига қайтариб беринг. Устига ўша нарсанинг бешдан бир қисми қийматини ҳам қўшиб беринг.
6 Бундан ташқари, айб қурбонлиги учун Эгамизга нуқсонсиз бир қўчқорни ёки қўчқорнинг қийматига яраша кумушни олиб келинг. 7 Руҳоний Эгамиз ҳузурида сизни гуноҳдан поклайди, шунда қилган ҳар қандай айбингиз кечирилади.

Куйдириладиган қурбонлик келтириш қоидаси

8 Эгамиз Мусо орқали 9 Ҳорун ва унинг ўғилларига куйдириладиган
қурбонликка оид қуйидаги қоидаларни берди: куйдириладиган қурбонлик
қурбонгоҳ устида тун бўйи, эрталабгача қолсин. Қурбонгоҳ устидаги олов доим
ёниб турсин. 10 Эртаси куни эрталаб руҳоний зиғир матосидан тикилган либосни
ва ичидан иштонни кийсин. Сўнг куйдирилган қурбонликнинг кулини қурбонгоҳ
устидан йиғиштириб олсин. Кулни қурбонгоҳнинг ёнига ташласин. 11 Кейин
устидаги либосларни ечиб, бошқа либосларни кийсин. Кулни қароргоҳдан
ташқаридаги ҳалол жойга олиб чиқиб ташласин. 12 Қурбонгоҳдаги олов ўчмай
доим ёниб туриши шарт. Ҳар куни эрталаб руҳоний оловга ўтин ташлаб, унинг
устига куйдириладиган қурбонликни қўйсин. Тинчлик қурбонлигининг ёғини
ҳам ўша оловда куйдирсин. 13 Қурбонгоҳдаги олов зинҳор ўчмасин, у муттасил
ёниб турсин.

Дон назри

14 Дон назр қилинганда қуйидаги қоидага риоя қилинсин: Ҳоруннинг
ўғиллари дон назрини Эгамизнинг ҳузурига, қурбонгоҳ олдига олиб келишсин.
15 Руҳоний зайтун мойи қўшилган сифатли уннинг бир ҳовучини ва устидаги
хушбўй тутатқининг ҳаммасини олиб, қурбонгоҳ устида куйдирсин. Бундай
қилиш уннинг ҳаммаси Худога тегишли эканини билдиради. Бу назрдан Эгамизга
ёқимли ҳид боради. 16 Уннинг қолганидан хамиртурушсиз нонлар ёпилсин. Ҳорун
ва унинг ўғиллари бу нонларни муқаддас жойда есинлар. Нонлар Учрашув
чодирининг ҳовлисида тановул қилиниши лозим. 17 Унга хамиртуруш
қўшилмасин. Эгамизга атаб, оловда куйдириладиган назрлардан уларга
бериладиган улуш шудир. У гуноҳ қурбонлиги ва айб қурбонлиги сингари, ғоят
муқаддасдир. 18 Ҳоруннинг наслидан бўлган ҳар бир эркак зоти бу назрдан еса
бўлади. Эгамизга атаб, оловда куйдириладиган назрлардан Ҳоруннинг наслига
авлодлар оша берилган доимий улуш шудир. Бу назрга теккан ҳар қандай нарса
муқаддас бўлади*.

19 Эгамиз Мусо орқали яна қуйидаги қоидаларни берди: 20 Ҳорун ва унинг
ўғиллари руҳонийликка тайинланган куни Эгамизга дон назрини келтиришсин.
Бу назрнинг миқдори, кундалик назрдай, тўрт коса* сифатли ундан ташкил
топсин. Уннинг икки косаси эрталаб, икки косаси кечқурун назр қилинсин.
21 Ундан зайтун мойига хамир қорилсин, сўнг товада қовурилсин. Қовурилган
хамир мойга яхшилаб бўктирилган бўлсин, уни бурдалаб Эгамизга назр қилинг.
Бу назрдан Эгамизга ёқимли ҳид боради. 22 Бошига мой суртилиб, руҳонийликка
тайинланадиган Ҳоруннинг ўғли бу назрни тайёрласин. Бу турдаги назр ҳар бир
руҳонийликка тайинлаш маросимида Эгамизга келтирилсин. Назрни бутунлай
куйдириш лозим. 23 Хуллас, руҳоний келтирган ҳар қандай дон назри бутунлай
куйдирилсин, уни ейиш мумкин эмас.

Гуноҳ қурбонлиги

24 Эгамиз Мусо орқали 25 Ҳорун ва унинг ўғилларига гуноҳ қурбонлигига оид
қуйидаги қоидаларни берди: гуноҳ қурбонлиги қилинадиган жонивор
Эгамизнинг ҳузурида, куйдириладиган қурбонлик бўғизланадиган жойда
бўғизлансин. Бу ғоят муқаддас қурбонликдир. 26 Гуноҳ қурбонлигини келтирган
руҳоний қурбонлик гўштидан тановул қилсин. Қурбонлик гўшти муқаддас жойда,
яъни Учрашув чодирининг ҳовлисида ейилиши лозим. 27 Қурбонлик гўштига
теккан ҳар қандай нарса муқаддас бўлади*. Агар қурбонликнинг қони кийимга
сачраса, кийим муқаддас жойда ювилсин. 28 Гўшт пиширилган сопол идиш

синдирилсин*. Борди–ю, гўшт бронза қозонда пиширилган бўлса, қозонни ишқалаб ювиш лозим. 29 Руҳонийлар уруғига мансуб ҳар бир эркак зоти бу қурбонлик гўштидан тановул қилса бўлади. Бу қурбонлик ғоят муқаддасдир. 30 Борди–ю, гуноҳ қурбонлигининг қони Учрашув чодирининг ичига, гуноҳдан поклаш учун Муқаддас хонага олиб кирилса, бундай қурбонлик гўштини* тановул қилиш мумкин эмас. Уни бутунлай куйдириш лозим.

7–БОБ

Айб қурбонлиги

1 Айб қурбонлиги ғоят муқаддасдир. Уни келтирганда қуйидаги қоидага риоя қилинсин: 2 айб қурбонлиги учун келтириладиган жониворни куйдириладиган қурбонлик бўғизланадиган жойда сўйишсин. Унинг қонини қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига сепиб чиқишсин. 3 Жонивор ёғининг ҳаммаси келтирилсин: думбаси, ичак–човоқларини қоплаб турган ёғлари, 4 иккала буйраги, буйрак атрофидаги ёғлари ва жигарнинг аъло қисми*. Жигарнинг аъло қисми буйраклар билан бирга ажратиб олинсин. 5 Руҳоний буларни оловда куйдириб, Эгамизга назр қилсин. Бу айб қурбонлигидир. 6 Руҳонийлар уруғига мансуб бўлган ҳар бир эркак зоти қурбонликни тановул қилса бўлади. Уни муқаддас жойда тановул қилишсин*, чунки бу қурбонлик ғоят муқаддасдир.

7 Айб қурбонлиги учун ҳам, гуноҳ қурбонлиги учун ҳам қоида бир: қурбонликнинг гўшти гуноҳдан поклаш маросимини олиб борган руҳонийга тегишли бўлсин. 8 Бировнинг куйдириладиган қурбонлигини келтирган руҳоний ўзига қурбонликнинг терисини олсин. 9 Тандирда ёпилган, қозонда ёки товада тайёрланган ҳар қандай дон назри ҳам, уни келтирган руҳонийга тегишли бўлсин. 10 Лекин бошқа турдаги дон назрлари, зайтун мойи аралаштирилган ёки аралаштирилмаганидан қатъий назар, Ҳоруннинг ҳамма ўғилларига бирдай тегишли бўлсин.

Тинчлик қурбонлиги

11 Эгамизга тинчлик қурбонлигини келтирганингизда қуйидаги қоидага риоя қилинг: 12 агар қурбонликни шукрона айтиш учун келтираётган бўлсангиз, қурбонлик билан бирга зайтун мойи аралаштирилган хамиртурушсиз нонларни, зайтун мойи суртилган хамиртурушсиз чалпакларни ҳамда сифатли ун ва зайтун мойидан қориб тайёрланган кулчаларни келтиринг. 13 Шукрона қурбонлиги қаторида хамиртурушли нонларни ҳам олиб келинг. 14 Нонларнинг ҳар бир туридан биттасини Эгамизга ҳадя сифатида тақдим қилинг. Бу нонлар тинчлик қурбонлиги қонини қурбонгоҳга сепган руҳонийники бўлсин. 15 Шукрона айтиш учун келтирилган тинчлик қурбонлигининг гўштини ўша куниёқ тановул қилинг. Қурбонлик гўштидан эрталабгача қолдирманг.

16 Борди–ю, қурбонликни ичган онтингиз бўйича келтирсангиз, ёки кўнгилдан чиқариб берсангиз, гўштини қурбонлик қилган кунингиз ва қолганини иккинчи куни ҳам есангиз бўлади. 17 Учинчи куни эса қурбонликнинг қолган ҳамма гўштини куйдириб ташланг. 18 Агар қилган тинчлик қурбонлигингизнинг гўшти учинчи куни тановул қилинса, қурбонлигингиз қабул бўлмайди ва ҳисобга ўтмайди. Қурбонлигингиз булғанган ҳисобланиб, унинг гўштидан еган одам жазога тортилади.

19 Ҳар қандай нопок нарсага теккан қурбонлик гўшти ейилмасин. Уни куйдириб ташланг. Гўштнинг қолганини эса ҳар бир пок одам тановул қилиши мумкин. 20 Борди–ю, бирор одам ҳаром бўла туриб, Эгамизга келтирилган

тинчлик қурбонлигининг гўштидан еса, ўз халқи орасидан йўқ қилинсин. 21 Агар
бирортангиз одамнинг нопоклигига, ҳаром ҳайвонга ёки ҳар қандай жирканч
жонзотга тегиб, Эгамизнинг тинчлик қурбонлиги гўштидан тановул қилсангиз,
халқингиз орасидан йўқ қилинасиз.
22 Эгамиз Мусо орқали 23 Исроил халқига қуйидаги қоидаларни берди: мол, қўй
ва эчкининг ёғини асло еманг. 24 Ҳаром ўлган ёки ёввойи ҳайвон ғажиб ташлаган
жониворнинг ёғини ҳар қандай эҳтиёжларга ишлатишингиз мумкин, лекин уни
асло тановул қилманг. 25 Борди–ю, бирортангиз Эгамизга атаб, оловда
куйдириладиган қурбонликнинг ёғидан есангиз, халқингиз орасидан йўқ
қилинасиз. 26 Қуш ёки ҳайвоннинг қонини истеъмол қилманг. Қаерда
яшашингиздан қатъий назар, бу амримга риоя қилинг. 27 Борди–ю, бирортангиз
қон истеъмол қилсангиз, халқингиз орасидан йўқ қилинасиз.
28 Эгамиз Мусо орқали 29 Исроил халқига қуйидаги қоидаларни берди: тинчлик
қурбонлигини келтирганингизда, қурбонликнинг бир қисмини Эгамизга тақдим
қилинг. 30 Оловда куйдириладиган бу назрни ўз қўлингиз билан олиб келинг.
Қурбонликнинг ёғи ва тўшини келтиринг. Тўшни Эгамизга бағишлаганингизни
кўрсатиш учун юқорига кўтаринг. 31 Руҳоний ёғни қурбонгоҳ устида куйдирсин,
тўш эса Ҳорун ва унинг ўғилларники бўлсин. 32 Тинчлик қурбонлигининг ўнг
сонини руҳонийга ҳадя қилинг. 33 Қурбонликнинг қонини келтирган ва ёғини
куйдирган Ҳоруннинг ўғлига ўшани улуш қилиб беринг. 34 Зотан, Исроил халқи
қилган тинчлик қурбонлигининг юқорига кўтарилган тўшини ва ҳадя қилинган
сонини Эгамиз Ҳорунга ва унинг ўғилларига берди. Бу Исроил халқидан уларга
бериладиган доимий улушдир.
35 Ҳорун ва унинг ўғиллари Эгамиз ҳузурида руҳоний бўлиб хизмат
қилишлари учун тайинланган кундан бошлаб, оловда куйдириладиган
қурбонликлардан уларга тегадиган улуш ана шудир. 36 Ҳорун ва унинг ўғилларига
мой суртилган куни Исроил халқи бу улушни уларга беришини Эгамиз амр этди.
Авлодлар оша бу уларнинг доимий улушидир.

37 Хуллас, куйдириладиган қурбонлик, дон назри, гуноҳ қурбонлиги, айб
қурбонлиги, руҳонийликка тайинлаш маросимида келтириладиган қурбонлик ва
тинчлик қурбонлигига оид қоидалар шулардан иборатдир. 38 Мусо Исроил халқи
билан Синай тоғи ён бағридаги саҳрода турган пайтларида Эгамиз уларга бу
қурбонликларни келтира бошлашни буюрган эди.

8–БОБ

Ҳорун ва унинг ўғиллари руҳоний қилиб тайинланадилар

1 Эгамиз Мусога деди: 2 “Ҳорун ва унинг ўғилларини Учрашув чодири
кираверишига олиб кел, улар билан бирга руҳонийлик либосларини, муқаддас
қиладиган мойни*, гуноҳ қурбонлиги учун буқани, иккита қўчқорни ва бир савat
хамиртурушсиз нонни олиб кел. 3 Сўнг бутун жамоани ўша ерга тўпла.”
4 Мусо Эгамизнинг айтганини қилди. Жамоа Учрашув чодирига кираверишда
тўпланган, 5 Мусо уларга деди: “Мен ҳозир Эгам берган амрни бажараман.”
6 Мусо Ҳорун ва унинг ўғилларини олдинга чиқариб ювинтирди. 7 Сўнг
Ҳоруннинг устига кўйлакни кийдириб, белига белбоғни боғлади. Устидан ридони
кийдириб, эфодни тақди. Сўнг белига эфоднинг нафис нақшинкор камарини
боғлаб, эфодни маҳкамлади. 8 Кўксига кўкракпеч* тақиб, кўкракпеч халтасининг
ичига Урим ва Туммимни* солди. 9 Ҳоруннинг бошига саллани кийдирди.

Эгамизнинг Мусога берган амрига биноан салланинг олд томонига олтин лавҳани ўрнаштирди, бу лавҳа Ҳорун Эгамизга бағишланганини билдирар эди.
10 Сўнг Мусо Муқаддас чодирга ва унинг ичидаги ҳамма ашёларга муқаддас
қиладиган мойдан суртиб чиқиб, уларни муқаддас қилди. 11 Қурбонгоҳ устига
мойдан етти марта сачратди. Сўнг қурбонгоҳга, қурбонгоҳ буюмларига,
қўлювгичга ва қўлювгич таглигига мойдан суртиб, уларни муқаддас қилди. 12 У
Ҳоруннинг бошига ҳам муқаддас қиладиган мойдан суртиб, Ҳорунни Эгамизнинг
хизматига бағишлади. 13 Сўнг Эгамизнинг амрига кўра, Ҳоруннинг ўғилларини
олдинга чиқариб, уларнинг устига кўйлаклар кийдирди, белларига белбоғлар,
бошларига пешанабоғлар боғлади.
14 Кейин Мусо гуноҳ қурбонлиги қилинадиган буқани етаклаб келди. Ҳорун ва
унинг ўғиллари қўлларини буқанинг бошига қўйишди. 15 Мусо буқани сўйди.
Қурбонгоҳни поклаш учун бармоғини қонга ботириб, қонни қурбонгоҳнинг
шохларига* суртиб чиқди. Қоннинг қолганини қурбонгоҳнинг ёнига тўкди. Шу
йўсин у қурбонгоҳни поклаб, Эгамизга бағишлади. 16 Сўнг буқанинг
ичак–човоқларини қоплаган ҳамма ёғларни, жигарнинг аъло қисмини*, иккала
буйрагини ва буйрак атрофидаги ёғларини ажратиб олиб, қурбонгоҳ устида
куйдирди. 17 Буқанинг ўзини эса териси, гўшти ва ичак–човоқлари билан бирга,
Эгамизнинг амрига кўра, қароргоҳнинг ташқарисига олиб чиқиб куйдирди.
18 Сўнг Мусо куйдириладиган қурбонлик қилиш учун қўчқорни олиб келди.
Ҳорун ва унинг ўғиллари қўлларини қўчқорнинг бошига қўйишди. 19 Мусо
қўчқорни сўйиб, қонидан қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига сепиб чиқди.
20 Сўнг қўчқорнинг танасини бўлакларга бўлиб, калласини, бўлакларини ва ёғини
қурбонгоҳ устида куйдирди. 21 Ичак–човоқлари ва оёқларини ювиб, қўчқорни
бутунлай қурбонгоҳ устида куйдирди. Оловда куйдирилган бу қурбонликдан
Эгамизга ёқимли ҳид борди. Мусо ҳаммасини Эгамизнинг амрига биноан
бажарди.
22 Сўнг Мусо иккинчи қўчқорни етаклаб келди. Ҳорун ва унинг ўғилларини
руҳонийликка тайинлаш маросимида келтириладиган қурбонлик шу эди. Ҳорун
ва унинг ўғиллари қўлларини қўчқорнинг бошига қўйишди. 23 Мусо қўчқорни
сўйиб, қўчқорнинг қонидан Ҳоруннинг ўнг қулоғи солинчагига*, ўнг қўлининг
бош бармоғига ва ўнг оёғининг бош бармоғига суртди. 24 Сўнг Мусо Ҳоруннинг
ўғилларини олдинга чиқариб, қўчқорнинг қонидан уларнинг ўнг қулоқлари
солинчакларига, ўнг қўллари бош бармоқларига ва ўнг оёқлари бош
бармоқларига суртди. Қоннинг қолганини эса қурбонгоҳнинг тўртала ён
томонига сепиб чиқди. 25 У қўчқорнинг ёғини, чунончи, думбасини,
ичак–човоқларини қоплаб турган ёғларни, жигарнинг аъло қисмини, иккала
буйрагини, буйрак атрофидаги ёғларини ва ўнг сонини ажратиб олди. 26 Эгамиз
ҳузуридаги хамиртурушсиз нонлар солинган саватдан* хамиртурушсиз нондан
биттасини, зайтун мойи қўшилган нондан биттасини ва чалпакдан биттасини
олиб, қўчқорнинг ёғи ва ўнг сони устига қўйди. 27 Мусо буларнинг ҳаммасини
Ҳорун ва ўғилларининг қўлига тутқазди. Улар буларни Эгамизга бағишлаганини
кўрсатиш учун юқорига кўтардилар. 28 Сўнг Мусо бу назрларни уларнинг
қўлларидан олиб, қурбонгоҳ устида куйдириладиган қурбонлик билан бирга
куйдирди. Оловда куйдирилган бу назрлардан Эгамизга ёқимли ҳид борди.
Руҳонийликка тайинлаш маросимида келтирилган назрлар шулар эди. 29 Кейин
Мусо тўшни олиб, уни Эгамизга бағишлаганини кўрсатиш учун юқорига кўтарди.
Эгамизнинг амрига биноан руҳонийликка тайинланиш маросимида қурбонлик
қилинган қўчқорнинг бу қисми Мусога тегадиган улуш эди.

30 Мусо муқаддас қиладиган мойдан ва қурбонгоҳ устидаги қондан олиб,
Ҳорунга ва унинг либосларига ҳамда Ҳоруннинг ўғилларига ва уларнинг
либосларига сачратди. Шундай қилиб, у Ҳорунни ва унинг либосларини ҳамда
Ҳоруннинг ўғилларини ва уларнинг либосларини муқаддас қилди.
31 Мусо Ҳорун ва унинг ўғилларига деди: “Учрашув чодирига кираверишда
қурбонликнинг гўштини пиширинглар. Гўштни ўша ернинг ўзида, саватдаги назр
қилинган нонларга қўшиб енглар. Зотан, бу Эгамизнинг амридир. 32 Ортиб қолган
гўшт ва нонни куйдиринглар. 33 Руҳонийликка тайинлаш маросими тамом
бўлгунга қадар, етти кун давомида Учрашув чодири кираверишидан жилманглар.
34 Биз бугунги маросимни Эгамизнинг амрига кўра, сизларни гуноҳдан поклаш
учун адо этдик. 35 Сизлар Учрашув чодирига кираверишда кечаю кундуз етти кун
давомида бўлиб, Эгамизнинг барча талабларини бажаринглар. Шунда нобуд
бўлмайсизлар. Эгамизнинг амри шудир.”
36 Ҳорун ва унинг ўғиллари Эгамизнинг Мусо орқали берган ҳамма амрларини
бажардилар.

9–БОБ

Ҳорун қурбонликлар келтиради

1 Саккизинчи куни Мусо Ҳорунни, унинг ўғилларини ва Исроил оқсоқолларини
чақиртириб келди. 2 У Ҳорунга деди: “Гуноҳ қурбонлиги учун бир нуқсонсиз
бузоқни, куйдириладиган қурбонлик учун эса бир нуқсонсиз қўчқорни
Эгамизнинг ҳузурига олиб кел.
3 Сўнг Исроил халқига айт, улар ҳам гуноҳ қурбонлиги учун битта такани,
куйдириладиган қурбонлик учун бир ёшли нуқсонсиз бузоқни ва бир ёшли
нуқсонсиз қўзини, 4 тинчлик қурбонлиги учун битта буқани ва битта қўчқорни
олиб келишсин. Улар бу жониворларни Эгамизнинг ҳузурида қурбонлик
қилишсин. Булар билан бирга зайтун мойи аралаштирилган дон назрини ҳам
келтиришсин. Зотан, Эгамиз бугун уларга зоҳир бўлади.”
5 Улар Мусо амр қилган ҳамма нарсани Учрашув чодирининг олдига олиб
келишди. Бутун жамоа Эгамиз ҳузурига келиб турди. 6 Мусо деди: “Эгамизнинг
берган бу амрини адо этинг, шунда Эгамизнинг улуғворлиги сизларга зоҳир
бўлади.”
7 Сўнг Мусо Ҳорунга деди: “Қурбонгоҳнинг олдига бор, ўзингни ва халқни
гуноҳдан поклаш учун гуноҳ қурбонлигингни ва куйдириладиган
қурбонлигингни келтир. Сўнг халқнинг қурбонликларини адо этиб, уларни
гуноҳдан покла. Эгамизнинг амри шудир.”
8 Ҳорун қурбонгоҳ ёнига борди, ўз гуноҳлари учун гуноҳ қурбонлиги сифатида
келтирган бузоқни сўйди. 9 Ўғиллари Ҳорунга қурбонликнинг қонидан олиб
тутдилар. У бармоғини қонга ботириб, қурбонгоҳнинг шохларига* суртиб чиқди,
қоннинг қолганини эса қурбонгоҳнинг ёнига тўкди. 10 Сўнг Эгамиз Мусога берган
амрга биноан гуноҳ қурбонлигининг ёғини, иккала буйрагини ва жигарнинг аъло
қисмини* қурбонгоҳ устида куйдирди. 11 Гўшти ва терисини эса қароргоҳдан
ташқарига олиб чиқиб куйдириб ташлади. 12 Кейин Ҳорун куйдириладиган
қурбонликни сўйди. Ҳоруннинг ўғиллари унга қурбонлик қонидан тутдилар.
Ҳорун қонни қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига сепиб чиқди. 13 Сўнг ўғиллари
куйдириладиган қурбонликнинг бўлаклари ва калласини Ҳорунга бирин–кетин
бердилар. Ҳорун буларнинг ҳаммасини қурбонгоҳ устида куйдирди. 14 Сўнг
қурбонликнинг ичак–човоқларини ва оёқларини ювиб, куйдирилган қурбонлик

устида куйдирди.
15 Кейин Ҳорун халқнинг қурбонликларини келтирди. Ўзининг гуноҳи учун
қурбонлик қилгани сингари, халқнинг гуноҳи учун ҳам такани сўйиб, қурбонлик
қилди. 16 Куйдириладиган қурбонликни ҳам олиб келиб, қоидага кўра, адо этди.
17 Сўнг дон назрини келтириб, назрнинг бир ҳовучини қурбонгоҳ устида
куйдирди. Булар эрталаб куйдириладиган кундалик назрдан ташқари эди.
18 Ҳорун халқнинг тинчлик қурбонлиги учун келтирган буқа ва қўчқорни
сўйди. Унинг ўғиллари тинчлик қурбонлигининг қонидан олиб, Ҳорунга
тутдилар. Ҳорун қонни қурбонгоҳнинг тўртала ён томонига сепиб чиқди. 19 Сўнг
Ҳоруннинг ўғиллари буқа ва қўчқорнинг ёғини, яъни думбасини, ичакларини
қоплаб турган ёғларини, буйраклари ва жигарнинг аъло қисмини 20 тўшлар
устига қўйдилар. Ҳорун ёғни қурбонгоҳ устида куйдирди. 21 Мусо амр қилгандай,
Ҳорун буқа ва қўчқорнинг тўшларини ва ўнг сонларини Эгамизга бағишлаганини
кўрсатиш учун юқорига кўтарди.
22 Шундан кейин Ҳорун қўлларини халқ томон чўзиб уларни дуо қилди. Ҳорун
гуноҳ қурбонлигини, куйдириладиган қурбонликни ва тинчлик қурбонлигини
адо этгач, қурбонгоҳдан пастга тушди. 23 Мусо билан Ҳорун Учрашув чодирига
киришди, Чодирдан қайтиб чиққанларидан кейин халқни дуо қилишди. Шунда
Эгамизнинг улуғворлиги халққа зоҳир бўлди. 24 Эгамизнинг ҳузуридан олов
чиқиб, қурбонгоҳ устидаги куйдириладиган қурбонликни ва ёғларни ямлаб
юборди. Халқ буни кўргач, ҳайқириб юборди–да, ерга мук тушди.

10–БОБ

Надов ва Абиҳунинг гуноҳи

1 Ҳоруннинг ўғиллари Надов ва Абиҳу ўз оловкуракларини олиб, ичига чўғ
солдилар, чўғ устига хушбўй тутатқи ташладилар. Улар Эгамиз амр этмаган
бегона оловни Унинг ҳузурига олиб кирдилар. 2 Тўсатдан Эгамизнинг ҳузуридан
олов отилиб чиқиб, уларни куйдириб юборди. Иккови ҳам ўша ерда, Эгамизнинг
ҳузурида ҳалок бўлдилар. 3 Шунда Мусо Ҳорунга деди:
— Эгамизнинг, “Ёнимда бўлганлар орқали Мен муқаддаслигимни кўрсатаман,
бутун халқ олдида улуғланаман”, деб айтгани мана шудир.
Ҳорун индамади. 4 Мусо Ҳоруннинг амакиси Узиёл ўғиллари Мишаил ва
Элзафанни чақиртириб, уларга деди: “Боринглар, қариндошларингизнинг
жасадларини Муқаддас чодирнинг олдидан олиб кетиб, қароргоҳнинг
ташқарисига олиб чиқинглар.”
5 Мишаил ва Элзафан Мусонинг айтганини қилиб, қариндошларининг
жасадларини кўйлакларидан ушлаб, қароргоҳ ташқарисига олиб чиқдилар. 6 Сўнг
Мусо Ҳорунга ва унинг ўғиллари Элазар билан Итамарга айтди: “Қайғудан
сочингизни тўзитманглар*, либосларингизни йиртманглар, акс ҳолда, сизлар ҳам
нобуд бўласизлар ва бутун жамоа Худонинг ғазабига учрайди. Аммо
қариндошларингиз, бутун Исроил насли Эгамиз куйдириб нобуд қилган Надов ва
Абиҳу учун аза тутишлари мумкин. 7 Сизлар эса Учрашув чодирига кираверишдан
нарига жилманг. Акс ҳолда, нобуд бўласизлар. Сизнинг устингизга Эгамизнинг
муқаддас қиладиган мойи* суртилган.”
Улар Мусонинг айтгани бўйича иш тутдилар.

Руҳонийларга берилган низом

8 Эгамиз Ҳорунга шундай деди: 9 “Сен ва ўғилларинг Учрашув чодирига
киришдан олдин шароб ёки бошқа ўткир ичимликлар ичманглар. Ичсангиз,

нобуд бўласизлар. Бу авлодларингиз оша доимий қонун–қоида бўлсин. 10 Сизлар
муқаддас нарсаларни оддий нарсалардан, ҳаромни ҳалолдан ажрата олишларинг
шарт. 11 Мусо орқали Мен айтган ҳамма қонунларни Исроил халқига
ўргатишларинг лозим.”
12 Мусо Ҳорунга ва унинг омон қолган ўғиллари Элазар билан Итамарга деди:
“Эгамизга атаб, оловда куйдириладиган дон назрларининг ортиб қолганини
олиб, хамиртурушсиз нонлар ёпинглар. Бу нонларни қурбонгоҳ ёнида тановул
қилинглар, чунки бу назр ғоят муқаддасдир. 13 Эгамизга атаб, оловда
куйдириладиган назрлардан сенга ва сенинг ўғилларингга тегадиган улуш мана
шудир. Шунинг учун буни муқаддас жойда тановул қилинглар. Эгам менга шуни
амр қилди. 14 Юқорига кўтарилган тўш билан назр қилинган сонни эса сен ва
сенинг ўғил–қизларинг ҳар қандай ҳалол жойда тановул қилишларинг мумкин.
Бу нарсалар Исроил халқининг тинчлик қурбонликларидан сенга ва
фарзандларингга улуш қилиб берилгандир. 15 Исроил халқи қурбонликнинг
оловда куйдириладиган ёғи билан бирга қурбонликнинг тўши ва сонини олиб
келсинлар. Улар тўш ва сонни Эгамизга бағишлаганини кўрсатиш учун юқорига
кўтарганларидан кейин, булар сенга ва фарзандларингга берилади. Эгамизнинг
амрига кўра, сизларга тегадиган доимий улуш шудир.”
16 Сўнг Мусо гуноҳ қурбонлиги қилинган эчки ҳақида сўради, билсаки, у
қурбонлик куйдирилиб бўлибди. Мусо Ҳоруннинг қолган иккала ўғли Элазар
билан Итамардан қаттиқ ғазабланиб, уларга деди:
17 — Нимага гуноҳ қурбонлигининг гўштини муқаддас жойда емадинглар?! Бу
жуда муқаддас қурбонлик–ку! Ахир, ўша қурбонлик жамоанинг айбини
ювишингиз ва Эгамиз ҳузурида уларни гуноҳдан поклашингиз учун сизларга
берилган–ку! 18 Бу қурбонликнинг қони Муқаддас хонага олиб кирилмаган.
Бундай қурбонликни муқаддас жойда енглар, деб сизларга амр қилмаганмидим?!
19 Шунда Ҳорун Мусога деди:
— Мана, бугун ўғилларим Эгамизга гуноҳ қурбонлигини ва куйдириладиган
қурбонликни келтирдилар. Аммо шўрим қуриди–ку! Агар бугун гуноҳ қурбонлиги
гўштидан еганимда, Эгам мендан мамнун бўлармиди?!
20 Мусо бу гапни эшитиб, маъқул топди.

11–БОБ

Ҳалол ва ҳаром ҳайвонлар

1 Эгамиз Мусо ва Ҳорун орқали 2 Исроил халқига шундай деди: “Ер юзидаги
жамики ҳайвонлардан 3 айри туёқ ва кавш қайтарадиган ҳар қандай ҳайвонни
тановул қилишингиз мумкин. 4 Лекин кавш қайтарадиган ёки айри туёқ
ҳайвонлардан қуйидагиларни тановул қилманг*: туя кавш қайтаради–ю, лекин
айри туёқ эмас. У сизлар учун ҳаромдир. 5 Суғур кавш қайтаради, лекин айри туёқ
эмас. У сизлар учун ҳаромдир. 6 Қуён кавш қайтаради, лекин айри туёқ эмас. У
сизлар учун ҳаромдир. 7 Чўчқа айри туёқ бўлгани билан кавш қайтармайди. У
сизлар учун ҳаромдир. 8 Бу ҳайвонларнинг гўштини еманг, уларнинг мурдасига
қўл теккизманг. Улар сизлар учун ҳаромдир.
9 Денгиз ва дарёларда яшайдиган сузгичи ва тангачалари бор ҳар қандай
жониворни есангиз бўлади. 10 Бироқ сувда яшайдиган, сузгичи ва тангачалари
бўлмаган ҳар қандай сузадиган ва бошқа турдаги жониворни еманг. Улардан
ҳазар қилинг. 11 Бундай жониворлар сизлар учун жирканчдир. Уларнинг гўштини
оғзингизга олманг, мурдасидан ҳазар қилинг. 12 Сузгичи ва тангачалари бўлмаган

ҳар қандай сув жонивори сизлар учун жирканчдир.
13 Паррандалар орасидаги қуйидаги қушларни зинҳор еманг, улардан ҳазар
қилинг, улар сизлар учун жирканчдир: қумой, болтаютар, тасқара, 14 қизил
калхат, қирғий ва унинг зоти, 15 ҳар қандай қарға ва унинг зоти, 16 туяқуш, лочин,
қулоқли укки, қарчиғай ва унинг зоти, 17 япалоқ қуш, балиқчи укки, бойўғли, 18 оқ
бойўғли, бирқозон, жўрчи, 19 лайлак, оқ қарқара ва унинг зоти, сассиқпопишак,
кўршапалак.
20 Тўрт оёғида юрадиган ҳамма қанотли ҳашаротлар сизлар учун жирканчдир.
21 Лекин қанотли ҳашаротлар орасидаги, тўрт оёқда юрадиган баъзиларини
ейишингиз мумкин. Оёқлари сакраш учун бўғинлар билан мосланган
22 чигиртканинг ҳамма турини ва уларнинг зотини ейишингиз мумкин. 23 Бошқа
ҳамма тўрт оёқли, қанотли ҳашаротлар сизлар учун жирканчдир.
24 Баъзи ҳайвонлар сизларни булғайди. Уларнинг ўлигига қўл теккизсангиз,
кечгача ҳаром бўласиз. 25 Ҳаром ҳайвоннинг мурдасини кўтарган одам
кийимларини ювсин. У кечгача ҳаром бўлади. 26 Туёқли, лекин туёқлари бутунлай
айрилмаган ёки кавш қайтармайдиган ҳар қандай ҳайвон сизлар учун ҳаромдир.
Бундай ҳайвоннинг мурдасига теккан одам ҳаром бўлади. 27 Тўрт оёғида
юрадиган панжали ҳайвонлар ҳам сизлар учун ҳаромдир. Уларнинг мурдасига
теккан ҳар бир одам кечгача ҳаром бўлади. 28 Бундай ҳайвоннинг мурдасини
кўтарган одам кийимларини ювсин, у кечгача ҳаром бўлади. Улар сизлар учун
ҳаромдир.
29 Ерда ўрмалаб юрадиган майда жониворлардан сизлар учун қуйидагилар
ҳаромдир: каламуш, сичқон, эчкемар ва унинг зоти, 30 геккон, кулранг эчкемар,
оддий калтакесак, чўл калтакесаги ва буқаламун. 31 Буларнинг ҳаммаси сизлар
учун ҳаромдир. Уларнинг мурдасига теккан одам кечгача ҳаром бўлади. 32 Агар
бундай жониворнинг мурдаси бирор нарсанинг устига тушса, ўша нарса ҳаром
бўлади. Ҳаром бўлган бундай нарса — ёғоч, мато, чарм ёки қанордан бўлишидан
ва нимага ишлатилишидан қатъий назар, уни сувга ботириб, чайиб олинг. Бу
нарса кечгача ҳаром бўлиб, сўнг яна ҳалол бўлади. 33 Борди–ю, бундай жонивор
ўлиб, сопол идишнинг ичига тушса, идишдаги ҳамма нарса ҳаром бўлади. Шунда
идишнинг ўзини ҳам синдиринг. 34 Бундай идишдаги сув ҳар қандай овқат устига
тушса, овқат ҳам ҳаром бўлади. Ҳаром идишдаги ҳар қандай ичимлик ҳаром
ҳисобланади. 35 Жониворнинг мурдаси тушган ҳамма нарса ҳаром бўлади. Мурда
тандир ёки ўчоққа тушган бўлса, шу нарсалар ҳаром ҳисобланиб бузиб
ташлансин. Уларни ҳаром деб билинг. 36 Лекин мурда булоқ ёки сув йиғиладиган
сардобага тушса, булоқ ва сардоба ҳалоллигича қолади. Аммо ўша жониворнинг
мурдасига нимаики тегса, бу нарса ҳаром ҳисобланади. 37 Борди–ю, мурда экиш
учун ажратиб қўйилган уруғ устига тушса, уруғ ҳалол ҳисобланади. 38 Аммо мурда
сувда ивитилган уруғ устига тушса, уруғ ҳаром бўлади.
39 Борди–ю, еса бўладиган ҳайвон ўлса, бундай ҳайвоннинг мурдасига теккан
одам кечгача ҳаром бўлади. 40 Унинг гўштидан еган ёки мурдасини кўтарган одам
кийимларини ювсин. Бундай одам кечгача ҳаром бўлади.
41 Ерда ўрмалаб юрувчи ҳар қандай жонивор сизлар учун жирканчдир. Уларни
тановул қилманг. 42 Қорни билан судралиб юрувчи, тўрт оёқли ва кўп оёқли
жониворларни еманг. Улар сизлар учун жирканчдир. 43 Бундай жониворларни еб,
булғанманг. Улар туфайли ўзингизни ҳаром қилманг. 44 Зотан, Мен Эгангиз
Худоман. Ўзингизни Менга бағишлаб муқаддас бўлинглар, чунки Мен
муқаддасман. Ўрмалаб юрадиган жониворлар дастидан ўзингизни булғаманглар.
45 Мен Эгангизман, Худойингиз бўлишим учун сизларни Мисрдан олиб

чиққанман. Шундай экан, Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман.
46 Ҳайвонлар, қушлар, сувдаги турли жониворлар ва ерда судралувчи
жонзотларга оид қонунлар шудир. 47 Сизлар ҳалолни ҳаромдан ажрата олинг,
ейиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган тирик жониворларнинг фарқига
боринг."

12–БОБ

Кўзи ёриган аёлнинг покланиши

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Исроил халқига қуйидаги қоидаларни берди: агар аёл
ҳомиладор бўлиб, ўғил туғса, у аёл етти кун ҳаром ҳисобланади, ҳайз кўрган
кунларидаги каби, ҳаром бўлади. 3 Саккизинчи куни эса ўғил чақалоқ суннат
қилинсин. 4 Аёлнинг қондан покланиш муддати ўттиз уч кун бўлсин. Бу муддат
тугамагунча у бирорта муқаддас нарсага тегмаслиги ва Муқаддас чодирга
кирмаслиги лозим.
5 Агар аёл қиз туғса, у ҳайз кўргандаги каби, икки ҳафта давомида ҳаром
ҳисобланади. У олтмиш олти кундан кейингина қон кетишидан покланади.
6 Ўғил ёки қиз кўрган аёлнинг покланиш муддати тугагач, у куйдириладиган
қурбонлик қилишга бир ёшли қўзини ва гуноҳ қурбонлиги қилишга мусичани
ёки каптарни Учрашув чодири кираверишига олиб келиб, руҳонийга берсин.
7 Руҳоний Эгамизнинг ҳузурида қурбонликларни келтирсин, шу йўсин аёлни
нопокликларидан покласин. Шундан сўнг аёл қон кетишидан покланади. Ўғил
ёки қиз кўрган аёл учун қонун шудир. 8 Борди–ю, қўзини қурбонлик қилишга
аёлнинг қурби етмаса, у иккита каптар ёки иккита мусичани олиб келсин.
Руҳоний бирини куйдириладиган қурбонлик, иккинчисини гуноҳ қурбонлиги
қилсин, шу йўсин аёлни нопокликларидан покласин. Шунда аёл пок бўлади.

13–БОБ

Тери касаллиги ҳақида қонун

1 Мусо ва Ҳорунга Эгамиз қуйидаги қонунларни берди: 2 агар бирортасининг
баданида тери касаллигига* айланиши мумкин бўлган шиш, тошма ёки доғ пайдо
бўлса, ўша одамни руҳоний Ҳорун ёки унинг ўғилларидан* бири ҳузурига олиб
келинг. 3 Руҳоний бадандаги ярани кўрсин. Агар яра устидаги туклар оқарган ва
яра тери остига ўтган бўлса, бу тери касаллигидир. Руҳоний ярани кўриб бўлиши
биланоқ ўша одамни ҳаром деб эълон қилсин.

Теридаги оқ доғ

4 Борди–ю, одамнинг баданида оқ доғ бўлиб, тери остига ўтмаган бўлса ва доғ
устидаги туклар оқармаган бўлса, руҳоний касалланган одамни етти кунга
ёлғизлатиб қўйсин. 5 Еттинчи куни руҳоний яна ўша одамни кўрсин. Агар яра
ўзгармаган бўлса ва атрофидаги терига ёйилмаган бўлса, руҳоний ўша одамни
яна етти кунга ёлғизлатиб қўйсин. 6 Еттинчи куни руҳоний уни яна кўрсин. Агар
яра тузала бошлаган бўлиб, атрофидаги терига ёйилмаган бўлса, руҳоний у
одамни пок деб эълон қилсин. Бу тошмадир. Ўша одам кийимларини ювсин ва у
пок бўлади. 7 Борди–ю, руҳоний текшириб, пок деб эълон қилган ўша одамнинг
терисидаги тошмаси ёйилиб кетса, у қайтадан руҳонийга кўринсин. 8 Руҳоний
касални яна текширсин. Агар тошма терига ёйилган бўлса, руҳоний у одамни
ҳаром деб эълон қилсин. Бу тери касаллигидир.

Теридаги шиш

9 Агар одам тери касаллигига чалинса, уни руҳоний ҳузурига олиб келинг.
10 Руҳоний уни текширсин. Агар тери устида оқ шиш пайдо бўлиб, шиш устидаги
туклар оқарган бўлса ва очиқ яра ҳосил бўлган бўлса, 11 бу тузалмас тери
касаллигидир. Руҳоний у одамни ҳаром деб эълон қилсин, уни ёлғизлатиб
ўтирмасин, чунки унинг ҳаромлиги ойдиндир. 12 Борди–ю, теридаги тошма
одамнинг бутун танасини бошдан–оёқ қоплаб олса, 13 руҳоний уни текширсин.
Агар тошма бутун танага ёйилган бўлса, руҳоний уни пок деб эълон қилсин.
Ҳамма тери бирдай оқаргани учун бундай одам пок ҳисобланади. 14 Борди–ю,
унинг баданида очиқ яра ҳосил бўлса, ўша одам ҳаром ҳисобланади. 15 Руҳоний
очиқ ярани кўрсин ва у одамни ҳаром деб эълон қилсин. Очиқ яра ҳаромдир, бу
тери касаллигининг белгисидир. 16 Лекин очиқ яра тузалиб, оқарса ўша одам
руҳонийнинг олдига келсин. 17 Руҳоний уни кўрсин. Агар яра ҳақиқатан ҳам
оқарган бўлса, руҳоний касал одамни пок деб эълон қилсин. Шунда у пок бўлади.

Чипқон

18 Агар бирортасининг баданига чипқон чиқиб, битган бўлса–ю, 19 лекин
чипқон ўрнида оқ шиш ёки қизғиш–оқ доғ пайдо бўлса, у одам руҳонийга
кўринсин. 20 Руҳоний уни кўрсин. Агар доғ тери остига ўтган бўлса ва туклари
оқариб қолган бўлса, руҳоний ўша одамни ҳаром деб эълон қилсин. Демак,
чипқон ўрнида тери касаллиги ҳосил бўлган. 21 Лекин руҳоний уни текширганда,
доғ устидаги туклар оқармаган, доғ терининг остига ўтмаган ва тузала бошлаган
бўлса, руҳоний ўша одамни етти кунга ёлғизлатиб қўйсин. 22 Агар доғ терига
ёйилиб кетса, руҳоний у одамни ҳаром деб эълон қилсин. Бу тери касаллигидир.
23 Борди–ю, доғ ўзгармаса ва ёйилмаса, бу доғ чипқоннинг чандиғи, холос.
Руҳоний бу одамни пок деб эълон қилсин.

Теридаги куюк

24 Агар бирортаси куйиб қолса ва куйган жойининг ранги ўзгариб, қизғиш–оқ
ёки оппоқ тусга кирса, 25 руҳоний куйган жойни текширсин. Агар куйган жой
устидаги туклар оқариб қолган бўлса ва доғ тери остига ўтган бўлса, демак,
куйган жой ўрнида тери касаллиги ҳосил бўлган. Руҳоний бу одамни ҳаром деб
эълон қилсин. 26 Лекин руҳоний уни текширганда туклар оқармаган ва доғ тери
остига ўтмаган бўлса, бунинг устига доғ тузала бошлаган бўлса, руҳоний у
одамни етти кунга ёлғизлатиб қўйсин. 27 Еттинчи куни руҳоний у одамни кўрсин.
Агар доғ терига ёйилган бўлса, руҳоний у одамни ҳаром деб эълон қилсин. Бу
тери касаллигидир. 28 Борди–ю, доғ ўзгармаса ва атрофдаги терига ёйилмаса,
бунинг устига тузала бошлаган бўлса, демак, бу куйиш натижасида пайдо бўлган
шишдир. Руҳоний у одамни пок деб эълон қилсин. Бу куйган жойнинг изидир.

Бошдаги ёки жағдаги яра

29 Агар эркак ёки аёлнинг бошига ё жағига яра чиқса, 30 руҳоний ярани
текширсин. Яра терининг остига ўтган бўлса ва яра устидаги туклар сарғайиб,
нимжон бўлиб қолган бўлса, руҳоний ўша эркак ёки аёлни ҳаром деб эълон
қилсин. Демак, унинг боши ёки жағига қичитма чиққан, бу тери касаллигидир.
31 Агар руҳоний қичитмани текширганда яра терининг остига ўтмаган бўлса,
лекин яранинг устида соғлом туклар бўлмаса, руҳоний қичитмага чалинган бу
одамни етти кунга ёлғизлатиб қўйсин. 32 Еттинчи куни руҳоний қичитмани яна
кўрсин. Агар қичитма ёйилмаган бўлса, унинг устида сарғиш туклар бўлмаса, яра
терининг остига ўтмаган бўлса, 33 касал одам ҳамма сочини қирсин, лекин
қичитма бор жойига тегмасин. Сўнг руҳоний уни яна етти кунга ёлғизлатиб

қўйсин. 34 Еттинчи куни руҳоний қичитмани кўрсин. Агар қичитма ёйилмаган ва терининг остига ўтмаган бўлса, руҳоний у одамни пок деб эълон қилсин. У одам кийимларини ювсин, шунда у пок бўлади. 35 Борди–ю, руҳоний уни пок деб эълон қилгандан кейин қичитма ёйилса, 36 руҳоний у одамни яна текширсин. Агар қичитма ҳақиқатан ҳам ёйилган бўлса, сарғиш тукни қидиришнинг ҳожати йўқ. У одам ҳаромдир. 37 Борди–ю, руҳонийнинг назарида қичитма ўзгармаган бўлса ва унинг устида қора туклар ўса бошлаган бўлса, қичитма тузалган бўлади. Руҳоний у одамни пок деб эълон қилсин.

Теридаги оқиш доғлар

38 Агар эркак ёки аёлнинг баданида оқ доғлар пайдо бўлса, 39 руҳоний ўша одамни текширсин. Агар бу доғлар кўринар–кўринмас оқишроқ тусда бўлса, бу бор–йўғи тошмадир. Бундай одам покдир.

Кал бўлган бош

40 Агар одамнинг сочи тўкилган бўлса, у одам кал, лекин пок ҳисобланади. 41 Бошнинг олд томонидаги ва чаккаларидаги сочлари тўкилган бўлса, у одам кал бўлгани билан пок ҳисобланади. 42 Борди–ю, бошнинг кал жойида қизғиш–оқ доғ пайдо бўлса, бу тери касаллигидир. 43 Руҳоний уни кўрсин. Агар шиш ҳақиқатан тери касаллиги сингари қизғиш–оқ тусда бўлса, 44 демак, одам касалланган, у ҳаромдир. Бошидаги яраси туфайли руҳоний уни ҳаром деб эълон қилсин.

Хаста одамнинг ҳаёт тарзи

45 Бундай ёмон тери касалликларидан бирига чалинган одам кийимларини йиртсин, сочини тўзитсин*, юзининг қуйи қисмини беркитсин. Сўнг: “Ҳаром! Ҳаром!” деб бақирсин. 46 У одам касаллиги давомида ҳаром ҳисобланади. У алоҳида, қароргоҳдан ташқарида яшасин.

Моғорга оид қонунлар

47 Агар кийимни моғор босса, жун ёки зиғир матосидан тикилган кийимни, 48 жун ёки зиғирдан тўқилган матони, чармни ё чармдан ясалган буюмни 49 босган ўша моғор кўкимтир ёки қизғиш рангда бўлса, бу ёйиладиган замбуруғдир, уни руҳонийга кўрсатиш лозим. 50 Руҳоний моғорни текширсин, сўнг зарарланган нарсани етти кунга қадар олиб қўйсин. 51 Еттинчи куни руҳоний уни яна кўрсин. Агар моғор кийимга, тўқилган матога ё чармдан ясалган ҳар қандай буюмга ёйилган бўлса, бу ёйиладиган замбуруғдир. Зарарланган нарса ҳаром ҳисобланади. 52 Руҳоний ўша нарсани куйдирсин. Буюм ёйиладиган замбуруғ билан зарарлангани учун уни куйдириб юбориш керак.

53 Борди–ю, моғор кийимга, матога ёки чармга ёйилмаган бўлса, 54 руҳоний зарарланган ўша нарсани ювдирсин. Сўнг уни яна етти кунга олиб қўйсин. 55 Руҳоний ювилган ўша нарсани яна текширсин. Агар моғорлаган жойнинг ранги ўзгармаган бўлса, моғор ёйилмаган тақдирда ҳам ҳаром ҳисобланади. Нарсанинг моғорлаган жойи ички ёки ташқи томонида бўлишидан қатъий назар, уни куйдириб юборинг.

56 Борди–ю, руҳоний ювилган нарсани текширганда моғорнинг ранги ўчган бўлса, руҳоний кийим, мато ёки чармдаги моғорлаган жойни юлиб олсин. 57 Агар моғор ўша нарсада яна пайдо бўлса, замбуруғ яна кўпайишни бошлагандир, нарсанинг эгаси уни куйдириб юборсин. 58 Борди–ю, ювилгандан кейин нарсадаги моғор кетса, уни иккинчи марта ювинг ва у пок бўлади.

59 Жун ёки зиғир матосидан тикилган кийимда, жун ёки зиғирдан тўқилган матода ва чармдан ясалган ҳар қандай буюмда ҳосил бўлган замбуруққа оид қоидалар шулардан иборатдир. Булар сизларга ҳалолни ҳаромдан ажрата

олишингиз учун хизмат қилади.

14–БОБ

Тери касаллигидан фориғ бўлган одамнинг покланиши

1 Эгамиз Мусога 2 хаста одамнинг покланиш маросимига оид қуйидаги
қоидаларни берди: тери касаллигидан* фориғ бўлган одамни руҳонийнинг
олдига олиб келинг. 3 Руҳоний уни қароргоҳдан ташқарида кўрсин. Агар ўша одам
ҳақиқатан ҳам касаллигидан фориғ бўлган бўлса, 4 руҳоний уни поклаш учун
иккита ҳалол тирик қушни, садр ёғочини, қирмизи ипни ва бир тутам иссоп
ўтини* келтирсин. 5 Руҳонийнинг амрига биноан қушларнинг биттаси янги булоқ
суви солинган сопол идиш устида бўғизлансин. 6 Сўнг руҳоний тирик қушни, садр
ёғочини, қирмизи ипни ва иссопни олиб, булоқ суви устида бўғизланган қушнинг
қонига ботирсин. 7 Кейин қонни тери касаллигидан покланадиган одамнинг
устига етти марта сепсин. Руҳоний ўша одамни пок деб эълон қилсин ва тирик
қушни далага қўйиб юборсин. 8 Покланадиган одам кийимларини ювсин. Ҳамма
сочини қириб ташлаб, ювинсин, шунда у пок бўлади. Шундан кейин у қароргоҳга
кирсин, лекин етти кун давомида чодирининг ташқарисида яшасин. 9 Еттинчи
куни у яна сочини, соқолини, қошларини ва ҳамма тукларини қирсин. Сўнг
кийимларини ювиб, ўзи ҳам ювинсин, шунда у пок бўлади.

10 Саккизинчи куни у иккита нуқсонсиз қўчқор қўзини ва битта бир ёшли
нуқсонсиз урғочи қўзини, дон назри сифатида зайтун мойи қўшилган ўн икки
коса* сифатли унни ва бир коса* зайтун мойини олиб келсин. 11 Покланиш
маросимини олиб бораётган руҳоний покланадиган одамни ва унинг олиб келган
қурбонлигу назрларини Эгамизнинг ҳузурига, Учрашув чодири кираверишига
қўйсин. 12 Сўнг қўзининг биттасини бир коса зайтун мойи билан бирга айб
қурбонлиги сифатида келтирсин. Ўша нарсаларни Эгамизга бағишлаганини
кўрсатиб, юқорига кўтарсин. 13 У қўзини муқаддас жойда, гуноҳ қурбонлиги ва
куйдириладиган қурбонлик бўғизланадиган жойда сўйсин. Айб қурбонлиги гуноҳ
қурбонлиги сингари, руҳонийга тегишлидир. Бу қурбонлик ниҳоятда
муқаддасдир. 14 Руҳоний айб қурбонлигининг қонидан олиб, покланаётган
одамнинг ўнг қулоғи солинчагига*, ўнг қўлининг бош бармоғига ва ўнг оёғининг
бош бармоғига суртсин. 15 Сўнг косадаги зайтун мойидан олиб, ўз қўлининг чап
кафтига қуйсин. 16 Ўнг қўлининг бармоғини чап кафтидаги зайтун мойига
ботириб, етти марта Эгамизнинг ҳузурида сачратсин. 17 Чап кафтида қолган
зайтун мойидан покланаётган одамнинг ўнг қулоғи солинчагига, ўнг қўли бош
бармоғига ва ўнг оёғи бош бармоғига — айб қурбонлигининг қони суртилган
жойга суртсин. 18 Ортиб қолган мойни эса покланаётган одамнинг бошига
суртсин. Шу йўсин, руҳоний Эгамизнинг ҳузурида покланиш маросимини
ўтказсин.

19 Кейин руҳоний гуноҳ қурбонлигини келтириб, покланиш маросимини
ўтказсин. У куйдириладиган қурбонликни сўйиб, 20 дон назри билан бирга
қурбонгоҳ устида куйдирсин. Руҳоний шу йўсин покланиш маросимини ўтказсин,
шунда касалликдан фориғ бўлган одам пок бўлади.

21 Борди–ю, у одам камбағал бўлиб, буларни қурбонлик қилишга қурби етмаса,
у покланиши учун юқорига кўтариладиган айб қурбонлиги сифатида битта
қўчқор қўзини, дон назри учун зайтун мойи қўшилган тўрт коса* сифатли унни ва
бир коса зайтун мойини олиб келсин. 22 Булардан ташқари, имкониятига кўра,
иккита каптарни ёки иккита мусичани олиб келсин. Бири гуноҳ қурбонлиги,

иккинчиси куйдириладиган қурбонлик учундир. 23 У шу нарсаларни саккизинчи
куни покланиш учун Учрашув чодири кираверишига, Эгамизнинг олдига олиб
келиб, руҳонийга берсин. 24 Руҳоний айб қурбонлиги учун келтирилган қўзини ва
бир коса зайтун мойини олиб, Эгамизга бағишлаганини кўрсатиш учун
Эгамизнинг ҳузурида юқорига кўтарсин. 25 Сўнг қўзини сўйсин, қонидан олиб,
покланаётган одамнинг ўнг қулоғи солинчагига, ўнг қўлининг бош бармоғига ва
ўнг оёғининг бош бармоғига суртсин. 26 Кейин руҳоний чап қўлининг кафтига
зайтун мойидан қуйсин. 27 Ўнг қўлининг бармоғи билан ўша мойни етти марта
Эгамизнинг ҳузурида сачратсин. 28 Сўнг қўлидаги мойдан покланаётган одамнинг
ўнг қулоғи солинчагига, ўнг қўлининг бош бармоғига ва ўнг оёғининг бош
бармоғига — айб қурбонлигининг қони суртилган жойга суртсин. 29 Қўлидаги
ортиб қолган мойни покланаётган одамнинг бошига суртсин. Шу йўл билан
руҳоний покланиш маросимини ўтказсин. 30 Сўнг руҳоний каптарларни ёки
мусичаларни қурбон қилсин. 31 Биттасини гуноҳ қурбонлиги, иккинчисини
куйдириладиган қурбонлик қилиб, дон назри билан бирга келтирсин. Шу йўсин,
руҳоний Эгамизнинг ҳузурида покланиш маросимини ўтказсин. 32 Бу қоидалар
тери касаллигидан фориғ бўлган, лекин покланиш маросими учун керакли
қурбонликларни келтиришга қурби етмаган одам учундир.

Уйлардаги моғор

33 Эгамиз Мусо ва Ҳорунга 34 моғор босган уйларга оид қуйидаги қонунларни
берди: Эгамиз сизларга мулк қилиб берадиган Канъон юртига борганингиздан
кейин сизларга қарашли юртдаги уйни моғор бостириши мумкин. 35 Шунда
хонадон соҳиби руҳонийнинг олдига бориб: “Уйимни моғор босганга ўхшайди”, —
деб айтсин. 36 Уйдаги нарсалар ҳаром деб эълон қилинмаслиги учун, руҳоний
моғорни кўришга киришдан олдин, уйдаги ҳамма нарсаларни чиқартиришни
буюрсин. Шундан сўнг уйни кўздан кечириш учун ичкарига кириб, 37 моғор босган
деворларни кўрсин. Агар моғорнинг кўкимтир ёки қизғиш доғлари бўлиб,
деворга чуқур ботиб кирган бўлса, 38 руҳоний ташқарига чиқиб, уйни етти кунга
беркитиб қўйсин. 39 Еттинчи куни руҳоний қайтиб келиб, уйни яна кўрсин. Агар
моғор деворга ёйилиб кетган бўлса, 40 руҳоний моғор ёйилган девордаги
тошларни кўчиртириб, шаҳар ташқарисидаги ҳаром жойга олиб бориб ташлашни
буюрсин. 41 Сўнг уй ичкарисидаги деворларнинг сувоғини кўчиртириб, шаҳар
ташқарисидаги ҳаром жойга чиқартириб ташлатсин. 42 Кўчириб олинган тошлар
ўрнига бошқа тошлар қўйдириб, уйнинг ичини янгидан сувоқ қилдирсин. 43 Агар
шундан кейин ҳам уйни моғор босса, 44 руҳоний келиб уйни кўрсин. Моғор
деворларга ёйилган бўлса, бу ёйиладиган замбуруғдир. Уй ҳаром ҳисобланади.
45 Уй бузиб ташлансин, унинг тош, ёғоч ва сувоғини шаҳар ташқарисидаги ҳаром
жойга олиб чиқиб ташлашсин. 46 Уй ёпиқ пайтида у ерга кирган ҳар қандай одам
кечгача ҳаром ҳисобланади. 47 Ўша уйда ухлаган ёки у ерда овқатланган ҳар
қандай одам кийимларини ювсин.

48 Борди–ю, уй янгидан сувоқ қилингандан кейин руҳоний келиб, уйни
кўрганда деворларни моғор босмаган бўлса, руҳоний уйни пок деб эълон қилсин.
Моғор йўқ бўлган бўлади. 49 Уйни поклаш учун руҳоний иккита қушни, садр
ёғочини, қирмизи ипни ва бир тутам иссоп ўтини олсин. 50 Қушнинг бирини сопол
идишдаги янги булоқ суви устида сўйсин. 51 Сўнг садр ёғочини, иссоп тутамини,
қирмизи ипни ва тирик қушни олиб, уларни булоқ суви устида бўғизланган
қушнинг қонига ботирсин–да, уйга етти марта сепсин. 52 Шу йўл билан уйни
поклагандан кейин, 53 тирик қушни шаҳар чеккасига олиб чиқиб, далага қўйиб
юборсин. Шу тариқа руҳоний уй учун поклаш маросимини ўтказсин, шунда уй пок

бўлади.
54 Тери касаллигига ва ёйиладиган замбуруғларга оид қоидалар шулардир. Бу
қоидалар теридаги қичитманинг, 55 уй ва кийимлардаги моғорларнинг, теридаги
шиш, тошма ёки доғларнинг 56 ҳалол ёки ҳаром эканлигини билиш учун хизмат
қилади.

Хуллас, тери касаллиги ва ёйиладиган замбуруғларга оид қоидалар шулардан иборат.

15–БОБ

Одамни ҳаром қиладиган нарсалар

1 Эгамиз Мусо ва Ҳорун орқали 2 Исроил халқига қуйидаги қоидаларни берди:
касаллик туфайли бирор эркакнинг жинсий аъзосидан ажралмалар оқса, у одам
ҳаром бўлади. 3 Ажралма оқиши давом этса ҳам, йўли ёпилгандан тана ичида
қолса ҳам, одам ҳаром ҳисобланади. 4 Бундай одам тўшакка ётса, тўшак ҳаром
бўлади, у ўтирган ҳар қандай жой ҳам ҳаром ҳисобланади. 5 Унинг тўшагига
теккан ҳар қандай одам кийимларини ювсин, ўзи ҳам ювинсин, у кечгача ҳаром
бўлади. 6 Ажралмаси оққан одам ўтирган жойга ким ўтирса, кийимларини ювсин,
ўзи ҳам ювинсин, у кечгача ҳаром бўлади. 7 Ажралмаси оққан одамга теккан ҳар
ким кийимларини ювсин, ўзи ҳам ювинсин, у кечгача ҳаром бўлади. 8 Ажралмаси
оққан одам пок одамга тупурса, пок одам кийимларини ювсин, ўзи ҳам ювинсин, у
кечгача ҳаром бўлади. 9 Ажралмаси оққан одам эгарда ўтирган бўлса, эгар ҳаром
ҳисобланади. 10 Бундай одамнинг ўтирган нарсасига теккан ҳар ким кечгача
ҳаром бўлади. Ким ўша нарсани кўтариб борса, кийимларини ювсин, ўзи ҳам
ювинсин, у кечгача ҳаром бўлади. 11 Ажралмаси оққан одам қўлини ювмасдан
кимга тегса, ўша одам кийимларини ювсин, ўзи ҳам ювинсин, у кечгача ҳаром
бўлади. 12 Ажралмаси оққан одам теккан ҳар қандай сопол идиш синдириб
ташлансин, ёғоч идиш эса ювилсин.
13 Ажралмаси оққан одам касаллигидан халос бўлгач, етти кун кутсин. Сўнг
кийимларини ювиб, булоқ сувида ювинсин ва у пок бўлади. 14 Саккизинчи куни у
иккита каптар ёки иккита мусичани Эгамизнинг ҳузурига, Учрашув чодири
кираверишига олиб келиб, руҳонийга берсин. 15 Руҳоний қушларнинг биттасини
гуноҳ қурбонлиги, иккинчисини эса куйдириладиган қурбонлик қилсин. Шу
тариқа руҳоний ажралмаси оққан одамни Эгамизнинг ҳузурида ҳаромлигидан
покласин.
16 Агар бирор эркакдан маний оқса, у бутун баданини ювсин. У кечгача ҳаром
бўлади. 17 Маний теккан ҳар қандай кийим ва чарм ювилсин, ўша нарсалар
кечгача ҳаром бўлади. 18 Эркак аёл билан ётгандан кейин, эркакдан маний оқса,
иккови ҳам ювинишсин. Улар кечгача ҳаром бўладилар.
19 Аёл киши ҳайз кўриб, баданидан қон оққанда, у етти кун давомида ҳаром
ҳисобланади. Унга теккан одам ҳам кечгача ҳаром бўлади. 20 Аёл ҳаромлигида
ётган ва ўтирган ҳамма нарса ҳаромдир. 21 Унинг тўшагига теккан одам
кийимларини ювсин, ўзи ҳам ювинсин. У кечгача ҳаром бўлади. 22 Аёл ўтирган
буюмга теккан одам ҳам кийимларини ювиб, ўзи ҳам ювинсин. У кечгача ҳаром
бўлади. 23 Борди–ю, аёлнинг тўшаги ёки ўтирган буюми устида бирон нарса бўлса,
ўша нарсага теккан одам ҳам кечгача ҳаром бўлади. 24 Агар эркак ҳайз кўрган аёл
билан ётса, аёлнинг ҳаромлиги эркакка ўтган бўлади. Эркак ҳам етти кун
давомида ҳаром бўлиб, у ётган ҳар бир тўшак ҳаром ҳисобланади.

25 Агар аёлнинг ҳайз кўрган пайтдан ташқари қони келса ва бу аҳвол узоқ вақт
давом этса ёки ҳайз кўрган даври чўзилиб кетса, қон тўхтагунча аёл ҳаром
ҳисобланади. У ҳайз кўрган кунларидай ҳаром бўлади. 26 Ўша вақт давомида аёл
ётган ҳар қандай тўшак ва ўтирган ҳар қандай буюм, ҳайз кўрган кунларидай,
ҳаром бўлади. 27 Ўша нарсаларга теккан одам ҳаром ҳисобланади. У кийимларини
ювиб, ўзи ҳам ювинсин, у кечгача ҳаром бўлади. 28 Аёлнинг қони тўхтаса, орадан
етти кун ўтсин. Шундан кейин у пок бўлади. 29 Саккизинчи куни у иккита каптар
ёки иккита мусичани Учрашув чодирининг кираверишига олиб келиб, руҳонийга
берсин. 30 Руҳоний қушлардан биттасини гуноҳ қурбонлиги, иккинчисини
куйдириладиган қурбонлик қилсин. Шу йўсин руҳоний ҳайз кўрган аёлни
Эгамизнинг ҳузурида ҳаромлигидан покласин.
31 Хуллас, Исроил халқини ҳаромликдан сақланглар. Тағин улар ҳаромлиги
билан ораларидаги Муқаддас чодиримни булғаб қўйиб, нобуд бўлмасинлар. 32 Бу
қоидалар жинсий аъзосидан маний оққан эркакларга, 33 ҳайз кўрган аёлларга, ҳар
қандай ажралмаси оққан эркагу аёлларга ва аёлнинг ҳаромлиги даврида у билан
ётган эркакларга тааллуқлидир.

16–БОБ

Покланиш куни

1-2 Ҳоруннинг икки ўғли Эгамиз амр этмаган бегона оловни олиб келиб, нобуд
бўлганларидан сўнг*, Эгамиз Мусога гапириб, шундай деди: “Аканг Ҳорунга айт, у
ички парда орқасидаги Энг муқаддас хонага хоҳлаган пайтида кирмасин*. У
ердаги Аҳд сандиғининг қопқоғи олдига бормасин. Акс ҳолда, у нобуд бўлади.
Зотан, Мен ўша қопқоқ устида булут орасида зоҳир бўламан.”
3 Эгамиз Мусога қуйидаги қоидаларни берди: Ҳорун Муқаддас хонага
киришидан олдин битта буқани гуноҳ қурбонлиги ва битта қўчқорни
куйдириладиган қурбонлик қилиши лозим. 4 Устига у зиғир матосидан тикилган
муқаддас кўйлакни, ичидан зиғир иштонни кийиб олсин, белига зиғир белбоғ
боғлаб, бошига зиғир матосидан салла кийсин. Бу муқаддас либослардир. Шунинг
учун у шу либосларни кийишдан олдин ювинсин, шундан сўнггина уларни
кийсин. 5 Сўнг Исроил жамоасидан гуноҳ қурбонлиги учун иккита такани ва
куйдириладиган қурбонлик учун битта қўчқорни олсин.
6 Ҳорун ўзини ва хонадонини гуноҳдан поклаш учун буқани гуноҳ қурбонлиги
сифатида келтирсин. 7 Сўнг иккита такани Учрашув чодири кираверишига
етаклаб келиб, Эгамизга тақдим қилсин. 8 Ўша ерда иккала така учун қуръа
ташласин*, қайси бирини Эгамизга қурбонлик қилишни ва қайси бирини қўйиб
юборишни аниқласин. 9 Ҳорун қуръа бўйича Эгамизга тегишли такани келтириб,
гуноҳ қурбонлиги қилсин. 10 Қўйиб юбориладиган такани эса тириклайин
Эгамизнинг олдига олиб келсин. Бу така халқни гуноҳдан поклаш учун чўлга
ҳайдаб юборилади.
11 Ҳорун ўзини ва хонадонини гуноҳдан поклаш учун олиб келган буқани
сўйиб, гуноҳ қурбонлиги қилсин. 12 Сўнг оловкурагига Эгамиз ҳузурида турган
қурбонгоҳдаги чўғлардан солсин. Туйилган хушбўй тутатқидан икки ҳовуч олиб,
ички парда орқасидаги Энг муқаддас хонага кирсин. 13 Бу тутатқиларни
Эгамизнинг ҳузурида ёниб турган чўғлар устига ташласин. Тутатқи тутунидан
ҳосил бўлган булут Аҳд сандиғининг* қопқоғини беркитади. Шунда Ҳорун
ўлмайди. 14 Ҳорун буқанинг қонидан олиб, бармоғи билан қопқоққа бир марта
сачратсин, сўнг қопқоқнинг олдида етти марта сачратсин.

15 Сўнгра халқни гуноҳларидан поклаш учун такани сўйсин. Қонидан Энг
муқаддас хонага олиб кирсин. Буқанинг қонини сачратгандай, таканинг қонини
ҳам қопқоқ устига ва унинг олдида сачратсин. 16 Шу тариқа у Энг муқаддас хонани
Исроил халқининг нопокликларидан, итоатсизликларидан ва гуноҳларидан
поклаш учун маросим ўтказсин. Бутун Учрашув чодири учун ҳам, шу сингари,
поклаш маросимини ўтказсин. Чунки бу Чодир булғанган халқ орасида
ўрнатилгандир. 17 Ҳорун Энг муқаддас хонага кириб, ўзини, хонадонини ва
Исроил жамоасини гуноҳдан поклаб чиқмагунча ҳеч ким Учрашув чодирига
кирмасин. 18 Сўнг Ҳорун ташқарига чиқиб, Эгамиз ҳузуридаги қурбонгоҳни
поклаш учун маросим ўтказсин. Буқанинг ва таканинг қонидан олиб,
қурбонгоҳнинг ҳар бир шохига* суртиб чиқсин. 19 Қурбонгоҳга етти марта
бармоғи билан қонни сачратсин. Шу йўл билан қурбонгоҳни Исроил халқининг
нопокликларидан поклаб, муқаддас қилсин.

Чўлга ҳайдаладиган така

20 Ҳорун Энг муқаддас хона, Учрашув чодири ва қурбонгоҳни поклаш
маросимини ўтказиб бўлгач, тирик такани етаклаб келсин. 21 У иккала қўлини
таканинг бошига қўйсин, Исроил халқининг ҳамма ноҳақликларини, ҳамма
итоатсизликларини ва ҳамма гуноҳларини бирма–бир эътироф этиб, таканинг
бошига юкласин. Такани чўлга ҳайдаб юбориш учун масъул бўлган одам такани
олиб кетсин. 22 Ўша одам такани чўлга қўйиб юборгандан кейин, така ўзи билан
халқнинг гуноҳларини кимсасиз жойга олиб кетади.

23 Шундан кейин Ҳорун Учрашув чодирига кириб, Энг муқаддас хонага кийиб
кирган зиғир матосидан тикилган либосларини ечсин–да, уларни ўша ерда
қолдирсин. 24 У муқаддас жойда бутун баданини ювиб, кундалик руҳонийлик
кийимларини кийиб олсин. Сўнг ташқарига чиқиб, ўзининг ва халқнинг
куйдириладиган қурбонликларини адо этсин. Шу тариқа ўзини ҳам, халқни ҳам
гуноҳдан покласин. 25 Гуноҳ қурбонлигининг ёғини қурбонгоҳ устида куйдирсин.
26 Қўйиб юбориладиган такани чўлга ҳайдаб юборган одам кийимларини ва бутун
баданини ювсин. Шундан сўнггина у қароргоҳга кира олади.

27 Гуноҳ қурбонлиги қилинган ва қони Исроил халқини гуноҳдан поклаш учун
Энг муқаддас хонага олиб кирилган буқа ва таканинг танаси қароргоҳнинг
ташқарисига олиб чиқилсин. Буларнинг териси, танаси ва ичак–човоқлари
куйдириб юборилсин. 28 Буларни куйдирган одам кийимларини ва бутун
баданини ювсин. Шундан сўнггина у қароргоҳга кира олади.

Покланиш кунига риоя қилиш

29 Қуйидагилар сизлар учун доимий қонун–қоида бўлсин: еттинчи ойнинг*
ўнинчи кунида рўза тутинглар, ҳеч қандай иш қилманглар. Бу қонун–қоида
Исроил халқига ва орангиздаги мусофирларга бирдай тааллуқлидир. 30 Зотан, ўша
куни руҳоний сизларни гуноҳларингиздан поклайди. Шунда сизлар Эгамиз
ҳузурида барча гуноҳларингиздан фориғ бўласизлар. 31 Ўша куни Шаббат сингари
тўлиқ дам олинглар, рўза тутинглар. Бу сизлар учун доимий қонун–қоида бўлсин.
32 Мой суртилган руҳоний бобоси Ҳорун ўрнига олий руҳонийликка бағишланиб,
муқаддас зиғир либосларини кийгач, сизларни гуноҳларингиздан покласин. 33 У
Энг муқаддас хонани, Учрашув чодирини, қурбонгоҳни, руҳонийларни ва бутун
Исроил жамоасини поклаш учун маросим ўтказсин. 34 Йилда бир марта Исроил
халқи барча гуноҳларидан поклансин. Бу сизлар учун доимий қонун–қоида
бўлсин.

Эгамиз нимани амр этган бўлса, Мусо ҳаммасини адо этди*.

17–БОБ

Қоннинг табарруклиги

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Ҳорунга, унинг ўғилларига ва жамики Исроил халқига
қуйидаги амрларни берди: 3 агар Исроил халқидан бирортаси қароргоҳда ёки
қароргоҳ ташқарисида буқа, қўзи ёки эчкини қурбонлик қилса–ю, 4 уни Эгамизга
тақдим қилиш учун Учрашув чодири кираверишига олиб келмаса, ўша одам қон
тўккани учун айбдор ҳисоблансин. Қон тўккан бу одам халқ орасидан йўқ
қилинсин. 5 Бу қоида Исроил халқининг далаларда қурбонликлар қилишларига
чек қўяди. Улар қурбонликларини руҳонийга, Учрашув чодири кираверишига
олиб келадиган бўлишади ва қурбонликларини тинчлик қурбонлиги қилиб,
Эгамизга бағишлашади. 6 Руҳоний қурбонликнинг қонини Учрашув чодирига
кираверишда турган Эгамизнинг қурбонгоҳига сепсин. Сўнг Эгамизга ёқимли ҳид
бориши учун қурбонликнинг ёғини куйдирсин. 7 Бундан буён Исроил халқи ўз
қурбонликларини эчки жинларга* келтирмасин, Эгамизга бевафолик қилмасин.
Бу қоидага улар доимо, авлодлари оша риоя қилишсин.
8 Исроил халқидан ёки уларнинг ораларида истиқомат қилаётган
мусофирлардан бирортаси куйдириладиган ва бошқа қурбонликлар қилса–ю,
9 ўшаларни Эгамизга назр қилиш учун Учрашув чодири кираверишига олиб
келмаса, у одам халқ орасидан йўқ қилинсин.
10 Агар Исроил халқидан ёки уларнинг ораларида истиқомат қилаётган
мусофирлардан бирортаси қони чиқарилмаган гўштни еса, Эгамиз қон истеъмол
қилган ўша одамга қарши чиқиб, уни халқ орасидан йўқ қилиб юборади. 11 Зотан,
жонзотнинг жони унинг қонидир. Эгамиз қонни сизларга қурбонгоҳ устида
гуноҳларингизни ювиш учун берган. Жон ато этадиган қон сизларни
гуноҳларингиздан поклайди. 12 Шунинг учун Эгамиз Исроил халқига: “Қони
чиқарилмаган гўштни зинҳор истеъмол қилманг, ораларингизда яшаётган
мусофир ҳам қонни истеъмол қилмасин”, — деб айтган.
13 Овланган ҳалол ҳайвон ёки қушнинг қонини чиқаринглар. Қонни тупроқ
билан кўмиб қўйинглар. Бу қоида Исроил халқига ва уларнинг орасида истиқомат
қилаётган мусофирларга тааллуқлидир. 14 Ҳар бир жонзотнинг жони унинг
қонидир. Шу боис Эгамиз Исроил халқига айтди: “Қони чиқарилмаган гўштни
еманглар. Зотан, ҳар бир жонзотнинг жони қондадир. Қон истеъмол қилган одам
халқи орасидан йўқ қилинсин.”
15 Ҳаром ўлган ёки ёввойи ҳайвон ғажиб ташлаган жониворнинг гўштини еган
ҳар бир одам, Исроил халқидан ёки бошқа халқдан бўлишидан қатъий назар,
кийимларини ювсин, ўзи ҳам ювинсин. У кечгача ҳаром бўлиб, сўнг яна пок
бўлади. 16 Борди–ю, у кийимларини ювмаса, ўзи ҳам ювинмаса, қилган гуноҳи
учун жазоланади.

18–БОБ

Ман қилинган жинсий алоқалар

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Исроил халқига шундай деди: “Мен Эгангиз Худоман.
3 Сизлар яшаб юрган Миср халқининг одатларига ва Мен сизларни олиб
бораётган Канъон юртидаги халқларнинг одатларига тақлид қилманглар.
Уларнинг удумларига эргашманглар. 4 Фақат Менинг қонунларимга итоат
этинглар, қоидаларимни битта қолдирмай бажаринглар. Зотан, Мен Эгангиз
Худоман. 5 Қонун–қоидаларимга амал қилинглар. Уларга риоя қилган одам

ҳаётдан баҳраманд бўлади. Мен Эгангизман.
6 Туғишган яқин қариндошингиз билан ётманг. Мен Эгангизман. 7 Онангиз
билан ётиб, отангизнинг шаънига доғ туширманг. Онангиз бўлгани учун у билан
ётманг. 8 Отангизнинг хотини билан ётманг, бундай қилиб отангизнинг шаънига
доғ туширманг. 9 Туғишган ёки ўгай опа–синглингиз билан ётманг. У отангизнинг
қизи ёки онангизнинг қизи бўлишидан қатъий назар, сиз билан бир уйда катта
бўлган ёки бошқа жойда ўсганидан қатъий назар, у билан ётманг. 10 Ўз неварангиз
— ўғлингизнинг қизи ёки қизингизнинг қизи билан ётманг. Бундай қилиб ўз
шаънингизга доғ туширманг. 11 Отангиздан туғилган, ўгай онангизнинг қизи
билан ётманг, чунки у сизнинг ўгай синглингиздир. 12 Аммангиз билан ётманг,
чунки у отангизнинг жигаридир. 13 Холангиз билан ётманг, чунки у онангизнинг
жигаридир. 14 Амакингизнинг шаънига доғ тушириб, унинг хотини билан ётманг.
Ахир, у сизнинг келин ойингиздир. 15 Келинингиз билан ётманг. У ўғлингизнинг
хотинидир. 16 Ака–укангизнинг хотини билан ётманг. Бундай қилиб акангизнинг
шаънига доғ туширманг. 17 Сиз бирор аёл билан ётган бўлсангиз, ўша аёлнинг
қизи ёки қиз невараси билан ётманг. У ўғлининг қизи бўлса ҳам ёки қизининг
қизи бўлса ҳам у билан ётманг, улар қондошдир. Бундай қилиш бузуқликдир.
18 Хотинингизнинг синглисини хотинингизга кундош қилманг. Хотинингиз тирик
экан, унинг синглиси билан ётманг.
19 Ҳайз кўриб ҳаром бўлган аёл билан ётманг. 20 Қўшнингизнинг хотини билан
жинсий алоқа қилиб, ўзингизни булғаманг. 21 Болаларингизнинг бирортасини
Мўлахга қурбонлик қилманг*, ахир, Мен Эгангизман. Бундай қилмиш билан Мен,
Худойингизни бадном қилманг. 22 Аёл билан ётгандай, эркак киши билан ётманг.
Бу жирканчдир. 23 Ҳайвон билан жинсий алоқа қилиб, ўзингизни булғаманг. Аёл
киши ҳам ўзини ҳайвонга қўйиб бериб, у билан жинсий алоқа қилмасин. Бу
ўтакетган разилликдир.
24 Бундай ишлар қилиб ўзингизни булғаманг. Мен олдингиздан ҳайдаётган
халқлар мана шундай ишлари туфайли булғанган эдилар. 25 Натижада бутун юрт
ҳаром бўлиб кетди. Мен юртни жазоладим, юрт эса у ернинг халқларини қусиб
юборди. 26 Сизлар Менинг қонун–қоидаларимга риоя қилинглар. Исроил
халқидан бўлганлар ва орангизда яшаётган мусофирлар бундай жирканч
ишларни қилмасин. 27 Зотан, сизлардан олдин мана шу юртда яшаган халқлар бу
жирканч ишларнинг ҳаммасини қилиб, юртни булғаган эдилар. 28 Агар сизлар ҳам
юртни булғасангиз, бу юрт олдинги халқларни қусиб юборгандай сизларни ҳам
қусиб юборади. 29 Бундай жирканч ишни қилган ҳар қандай одам халқ орасидан
йўқ қилинсин.
30 Хуллас, талабларимни бажаринглар. Сизлардан олдин бу юртда қилинган
жирканч ишларни қилиб, ўзингизни булғаманглар. Зотан, Мен Эгангиз Худоман.”

19–БОБ

Адолат ва солиҳлик ҳақида қонунлар

1 Эгамиз Мусо орқали 2 бутун Исроил жамоасига шундай деди: “Муқаддас
бўлинглар, чунки Мен, Эгангиз Худо, муқаддасман. 3 Ҳар бирингиз ота–онангизни
ҳурмат қилинг. Шаббат кунларимга риоя қилинг. Зотан, Мен Эгангиз Худоман.
4 Бутларга сажда қилманг, ўзларингиз учун бутлар ясаманг. Мен Эгангиз Худоман.
5 Тинчлик қурбонлигини Менга келтирганингизда қоидаларга риоя қилинг,
токи қурбонлигингиз қабул бўлсин. 6 Қурбонликнинг гўштини қурбонлик
қилинган куни ёки эртаси куни тановул қилинг. Учинчи куни ортиб қолган

гўштни куйдиринг. 7 Борди–ю, қурбонликнинг гўшти учинчи куни ейилса,
қурбонлигингиз булғанган ҳисобланиб, қабул бўлмайди. 8 Ундан еган ҳар бир
одам Менинг муқаддас деб билган нарсамни булғагани учун жазога тортилсин.
Бундай одам халқ орасидан йўқ қилинсин.
9 Далангиз ҳосилини ўрганингизда даланинг энг четидаги буғдойни ўрманг,
ерга тушиб қолган буғдой бошоқларини ҳам терманг. 10 Узумзорингиз ҳосилини
йиққанингиздан кейин, токларда қолиб кетган ва ерга тушиб қолган узум
бошларини йиғиб олманг. Уларни камбағал ва мусофирларга қолдиринг. Мен
Эгангиз Худоман.
11 Ўғрилик қилманг, алдаманг, бировга ёлғон гапирманг. 12 Менинг номим
билан ёлғондакам онт ичманг. Шу орқали Мен, Худойингизни бадном қилманг.
Мен Эгангизман.
13 Қўшнингизни товламанг, уни таламанг. Мардикорнинг ҳақини эрталабгача
қолдирманг. 14 Кар одамни қарғаманг. Кўр одамнинг йўлига тўсиқ қўйманг. Мен,
Худойингиздан қўрқинг. Мен Эгангизман.
15 Ҳукм чиқарганда ҳақсизлик қилманг, фақирга ҳам ён босманг, обрўли
одамнинг ҳам кўнглига қараб иш тутманг. Қўшнингизни адолат билан ҳукм
қилинг. 16 Одамлар орасида қўшнингизни ғийбат қилиб, унинг жонини хавф
остига қўйманг. Мен Эгангизман.
17 Дилингизда биродарингизга қарши гина қилманг. Қўшнингизнинг айбини
очиқ юзига солинг, шунда сиз унинг айби учун жазога тортилмайсиз. 18 Қасос
олманг, юртдошингизга қарши кек сақланг. Аксинча, ўзгани ўзингизни
севгандай севинг. Мен Эгангизман.
19 Қонун–қоидаларимга риоя қилинг. Молингизни бошқа турдаги ҳайвонлар
билан чатиштирманг. Далангизга икки хил уруғ сепманг. Устингизга икки
турдаги ипдан тўқилган кийимни кийманг.
20 Агар эркак киши бошқа бировга унаштириб қўйилган чўри билан ётса, у
келтирган зарарни чўрининг эгасига тўлаши лозим. Чўри ҳали озодликка
чиқарилмагани учун икковига ҳам ўлим жазоси берилмасин. 21 Эркак айб
қурбонлиги сифатида бир қўчқорни Учрашув чодири кираверишига олиб келиб,
Менга тақдим қилсин. 22 Руҳоний қўчқорни айб қурбонлиги қилиб, ўша одамни
Менинг ҳузуримда гуноҳидан покласин. Шунда унинг қилган гуноҳи кечирилади.
23 Сизлар Канъон юртига кириб, турли хил мевали дарахтлар экканингиздан
кейин, уч йил давомида уларнинг мевасидан еманг. Уларни ейиш ман этилсин.
24 Тўртинчи йили ҳамма мевалар шукрона назри сифатида Менга бағишлансин.
25 Бешинчи йили эса меваларини ейишингиз мумкин. Шундай қилсангиз,
дарахтларингиз серҳосил бўлади. Мен Эгангиз Худоман.
26 Қони чиқарилмаган гўштни еманг. Таъбирчиларга эътиқод қилманг, фол
очтирманг. 27 Чаккангиздаги сочларингизни қирманг, соқолингизнинг учини
қирқманг. 28 Аза тутганингизда марҳум учун баданингизни кесманг, терингизни
тешиб сурат солманг*. Зеро, Мен Эгангизман.
29 Қизингизни фоҳишалик қилишга ундаманг*, уни булғаманг. Токи юрт
зинога ботмасин, бузуқлик авж олмасин. 30 Менинг Шаббат кунларимга риоя
этинг, муқаддас маконимни иззат қилинг. Мен Эгангизман.
31 Арвоҳ чақирувчиларнинг олдига борманг, фолбинларга маслаҳат солманг.
Уларнинг дастидан ўзингизни булғаманг. Мен Эгангиз Худоман.
32 Мўйсафидни кўрганингизда ўрнингиздан туринг, қариянинг ҳурматини
жойига қўйинг. Мен, Худойингиздан қўрқинг. Мен Эгангизман.
33 Юртингизда яшаб юрган мусофирга зулм қилманг. 34 Унга ўз

юртдошингиздай қаранг. Мусофирни ўзингизни севгандай севинг, чунки сизлар ҳам Миср юртида мусофир эдингизлар. Мен Эгангиз Худоман.
35 Узунликни, оғирликни ва миқдорни ўлчаганда ғирромлик қилманг.
36 Тарозингиз, қадоқ тошларингиз, ўлчов тоғораю косаларингиз* тўғри бўлсин.
Мен сизларни Миср юртидан олиб чиққан Эгангиз Худоман.
37 Қонун–қоидаларимнинг ҳаммасини битта қолдирмай бажаринглар. Мен
Эгангизман.”

20–БОБ

Итоатсизлик учун жазолар

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Исроил халқига шундай деди: “Ўз боласини Мўлахга
қурбонлик қилган ҳар қандай одамга, Исроил халқидан ёки юртингизда яшаган
мусофир бўлишидан қатъий назар, ўлим жазоси берилсин. Бутун жамоа уни
тошбўрон қилсин. 3 Мен Ўзим бундай одамга қарши чиқиб, уни халқ орасидан йўқ
қилиб юбораман, чунки у фарзандини Мўлахга қурбонлик қилиб, Муқаддас
чодиримни булғаган бўлади, Мен, Муқаддас Худони бадном этган бўлади.
4 Борди–ю, жамоа бу одамнинг қилмишидан кўз юмиб, уни ўлдирмаса, 5 Мен Ўзим
бу одамга ва унинг хонадонига қарши чиқаман. Уларни халқ орасидан йўқ
қиламан. Менга бевафолик қилиб, Мўлахга сиғинадиган барча издошларини улар
қатори қириб юбораман.
6 Агар бирор одам Менга бевафолик қилиб, арвоҳ чақирувчига ва фолбинга
маслаҳат солса, Мен ўша одамга қарши чиқиб, уни халқ орасидан йўқ қилиб
юбораман. 7 Ўзларингизни Менга бағишланглар, муқаддас бўлинглар. Мен
Эгангиз Худоман. 8 Қонун–қоидаларимни битта қолдирмай бажаринглар.
Сизларни муқаддас қиладиган Эгангизман. 9 Отасини ёки онасини хўрлаган ҳар
қандай одамга ўлим жазоси берилсин. Унинг қони ўз гарданида қолади.
10 Агар эркак қўшнисининг хотини билан зино қилса, иккови ҳам ўлдирилсин.
11 Отасининг хотини билан ётган эркак отасининг шаънига доғ туширган бўлади.
Бундай эркак ва аёл ўлдирилсин. Уларнинг қони ўз гарданида қолади. 12 Агар
эркак ўз келини билан ётса, иккови ҳам ўлдирилсин. Ахир, улар ўтакетган
разиллик қилдилар. Уларнинг қони ўз гарданида қолади. 13 Агар эркак аёл билан
ётгандай бошқа эркак билан ётса, уларнинг иккови жирканч иш қилган
бўладилар. Иккови ҳам ўлдирилсин, уларнинг қони ўз гарданида қолади. 14 Агар
эркак хотин олиб, хотинининг онасига ҳам уйланса, у бузуқлик қилган бўлади.
Уларнинг учалови ҳам тириклайин оловга ташлансин. Орангиздан бузуқликни
йўқ қилинг. 15 Агар эркак ҳайвон билан жинсий алоқа қилса, у ўлим жазосини
олсин. Ҳайвон ҳам ўлдирилсин. 16 Агар аёл ҳайвоннинг олдига бориб жинсий
алоқа қилса, аёлни ҳам, ҳайвонни ҳам ўлдиринг. Уларнинг қони ўз гарданида
қолади.
17 Агар эркак ўз синглисига — отасининг ёки онасининг қизига уйланиб, у
билан қовушса, шармандаликка йўл қўйган бўлади. Уларнинг иккови ҳам
халқнинг кўзи олдида йўқ қилинсин. У синглисининг шаънига доғ туширгани
учун жазога тортилсин. 18 Агар эркак ҳайз кўрган аёл билан ётса, иккаласи
аёлнинг ҳайз манбаини очган ҳисобланади. Уларнинг иккови ҳам халқ орасидан
йўқ қилинсин. 19 Холангиз ёки аммангиз билан ётманг. Бундай қилган одам ўз
қондошининг шаънига доғ туширган бўлади. Уларнинг иккови ҳам жазога
тортилсин. 20 Агар эркак амакисининг хотини билан ётса, у амакисининг шаънига
доғ туширган бўлади. Эркак ҳам, аёл ҳам жазога тортилсин. Улар фарзанд кўрмай

ўтиб кетишади. 21 Агар эркак акасининг ёки укасининг хотинига уйланса, ярамас иш қилган бўлади*. У акасининг ё укасининг шаънига доғ туширгани учун, улар фарзандсиз ўтиб кетишади.

22 Қонун–қоидаларимни битта қолдирмай бажаринглар, токи Мен сизларни олиб бораётган юрт сизларни қусиб юбормасин. 23 Мен олдингиздан қувиб юбораётган халқларнинг одатларига тақлид қилманглар. Улар бу ишларнинг ҳаммасини қилганлари учун, Мен улардан жирканиб кетдим. 24 Сизлар уларнинг сут ва асал оқиб ётган юртини* мулк қилиб оласизлар, деб Мен сизларга ваъда қилган эдим. Ўша юртни сизларга Мен бераман. Мен Эгангиз Худоман. Сизларни халқлар орасидан ажратиб олганман. 25 Шундай экан, сизлар ҳалол билан ҳаром ҳайвоннинг фарқига, ҳалол билан ҳаром қушнинг фарқига боришингиз лозим. Ҳаром ҳайвону қушларни ва ерда судралиб юрувчиларни еб ўзингизни булғаманг. Мен уларни ҳаром деб эълон қилганман. 26 Ўзингизни Менга бағишлаб, муқаддас бўлинглар, чунки Мен, Эгангиз, муқаддасман. Мен сизларни бошқа халқлардан Ўзим учун ажратиб олганман.

27 Арвоҳ чақирадиган ва фолбинлик қиладиган эркагу аёлнинг жазоси ўлимдир. Уларни тошбўрон қилинг, уларнинг қони ўз гарданида қолади.”

21–БОБ

Руҳонийларнинг муқаддаслиги

1 Эгамиз Мусо орқали Ҳоруннинг руҳоний ўғилларига шундай деди: “Руҳоний қазо қилган қариндошининг жасадига тегиб ўзини булғамасин. 2 Борди–ю, марҳум руҳонийнинг энг яқин қариндоши, яъни ота–онаси, ўғил–қизи, ака–укаси, 3 шунингдек, турмушга чиқмаган опа–синглиси бўлса, улар туфайли булғаниши мумкин. 4 Лекин хотини томонидан биров қазо қилса, у туфайли ўзини булғаб, мурдор бўлмасин. 5 Руҳоний аза тутганда сочини қирмасин, соқолининг учини қирқмасин, баданини тилмасин*. 6 У Менинг олдимда муқаддас бўлсин, Мени бадном этмасин. Мен, Эгасига оловда куйдириладиган таом назрларини келтиргани учун у муқаддас бўлсин. 7 Фоҳишалик қилиб булғанган ёки эридан ажралган аёлга уйланмасин. Зотан, руҳоний Менинг олдимда муқаддасдир. 8 Халқ ҳам руҳонийни муқаддас деб билсин, чунки Мен, Худойингизга нон келтирадиган ўшадир. У одамлар учун муқаддас бўлсин, зотан, Мен, Эгангиз, муқаддасман. Халқимни муқаддас қиладиган Менман. 9 Агар руҳонийнинг қизи фоҳишалик қилиб ўзини булғаса, у отасини ҳам булғаган бўлади. Ундай қизни тириклайин куйдириш лозим.

10 Ака–укалари орасидан бошига мой суртиб танланган олий руҳоний руҳонийлик либосларини кийиш учун бағишлангандир. Шунинг учун у қайғудан сочини тўзитмасин*, либосларини ҳам йиртмасин. 11 Жасаднинг яқинига бормасин, ҳатто вафот этган ота–онаси туфайли ҳам ўзини булғамасин. 12 У ота–онасини дафн қилиш учун Муқаддас чодирдан чиқмасин, шу туфайли Менинг Чодиримни булғамасин. Зотан, Менинг муқаддас қиладиган мойим* унинг устидадир, у Менга бағишлангандир. Мен Эгангизман. 13 Олий руҳоний фақат бокира қизга уйлансин. 14 Бева, эридан ажралган ёки фоҳишалик қилиб булғанган аёлни хотинликка олмасин. Ўз қавмидаги бокира қизга уйлансин, 15 шу тариқа муқаддас наслини ҳаромликдан асрасин. Мен, Эгангиз, уни муқаддас қилганман.”

16 Эгамиз Мусо орқали 17 Ҳорунга шундай деди: “Авлодингдан нуқсони бор бирор одам Менга қурбонликларни келтирмасин. Бунга авлодлар оша риоя қилинглар. 18 Нуқсони бор ҳеч ким яқинимга келмасин: кўр, чўлоқ, юзи

шикастланган, майиб, [19] қўл–оёғи синган, [20] букур, пакана, кўзида нуқсони бор, йиринглаган яралари ёки қўтири бор, мояги эзилган одам қурбонгоҳнинг яқинига бормасин. [21] Руҳоний Ҳорун наслидан нуқсони бор биронтаси ҳам оловда куйдириладиган назрларни Мен, Эгангизга келтирмоқчи бўлиб яқинлашмасин. Нуқсони бўлгани учун у Менга таом назрларини келтириш учун яқинлашмасин. [22] У Менинг қурбонликларимни, энг муқаддас ва муқаддас назрларимни тановул қилиши мумкин. [23] Лекин нуқсони борлиги учун у Муқаддас хонадаги ички пардага ва қурбонгоҳга асло яқинлашмасин. Акс ҳолда, у муқаддас маконимни булғаган бўлади. Маконимни муқаддас қиладиган Эгангиз Менман.”

[24] Шундай қилиб, Мусо буларнинг ҳаммасини Ҳорун ва унинг ўғилларига ҳамда бутун Исроил халқига айтди.

22–БОБ

Назрларнинг муқаддаслиги

[1] Эгамиз Мусо орқали [2] Ҳорун ва унинг ўғилларига шундай деди: “Сизлар Исроил халқининг Менга бағишлаган эҳсонлари билан эҳтиёткор бўлинглар, тағин Мен, Муқаддас Худони бадном қилиб қўйманглар. Мен Эгангизман. [3] Агар наслингиздан биронтаси ҳаром бўла туриб, Исроил халқи Менга бағишлаган эҳсонларга яқинлашса, у Менинг ҳузуримда бошқа хизмат қилмайдиган бўлсин. Мен Эгангизман. [4] Ҳоруннинг наслидан тери касаллигига* чалинган ёки ажралмаси оққан бирортаси покланмагунча эҳсондан тановул қилмасин. Борди–ю, руҳонийлардан бирортаси мурда дастидан булғанган нарсага тегса ёки жинсий аъзосидан маний оқса, [5] ёхуд ўрмалаб юрадиган ҳаром жониворга ё ҳаром бўлган одамга тегса, ўзи ҳаром бўлган ҳисобланади. У теккан одам қандай йўл билан ҳаром бўлганидан қатъий назар, [6] руҳоний кечгача ҳаром бўлади. Руҳоний баданини ювмагунча эҳсондан тановул қилмасин. [7] Қуёш ботгандан кейин у пок бўлади. Ана шундагина у эҳсонлардан тановул қила олади, чунки бу эҳсонлар унинг таомидир. [8] Ҳаром ўлган ёки ёввойи ҳайвон ғажиган жониворнинг гўштини руҳоний емасин. Акс ҳолда, у ўзини ўзи ҳаром қилади. Мен Эгангизман.
[9] Руҳонийлар талабларимни бажаришсин. Акс ҳолда, талабларимга риоя қилмаганлари учун гуноҳларининг жазосини олиб, нобуд бўладилар. Уларни муқаддас қиладиган Эгангиз Менман.

[10] Руҳоний хонадонига мансуб бўлган кишиларгина эҳсонлардан тановул қилишлари мумкин. Руҳонийникида турган мусофир ёки мардикор эҳсонлардан тановул қилмасин. [11] Лекин руҳоний ўз кумушига сотиб олган ёки унинг хонадонида туғилган қулу чўрилар бу назрлардан тановул қилишлари мумкин. [12] Агар руҳонийнинг қизи руҳонийлар қавмига мансуб бўлмаган одамга турмушга чиқса, эҳсонлардан тановул қилиш унга ман этилсин. [13] Борди–ю, руҳонийнинг бу қизи фарзанд кўрмай бева бўлиб қолса ёки эридан ажралса, отасининг хонадонига қайтиб келгандан кейин, қизлик давридагидай отасининг таомидан тановул қилиши мумкин. Аммо руҳонийлар қавмига мансуб бўлмаган одам руҳонийнинг таомидан тановул қилмасин. [14] Агар бирор одам билмаган ҳолда эҳсондан еб қўйса, у руҳонийга келтирган зарарни тўлаб, устига бешдан бир қисмини қўшиб берсин. [15] Руҳонийлар Исроил халқининг Менга келтирган эҳсонларини булғашмасин. [16] Уларни бошқаларнинг тановул қилишига йўл қўйишмасин. Акс ҳолда, руҳонийлар Исроил халқини айбдор қилиб қўйишади, халқ айб қурбонлиги келтириши керак бўлади. Эҳсонни муқаддас қиладиган

Эгангиз Менман.”
17 Эгамиз Мусо орқали 18 Ҳорунга, унинг ўғилларига ва бутун Исроил халқига
қуйидаги қоидаларни берди: Исроил халқидан ёки орангизда яшаётган
мусофирлардан бирортаси берган ваъдаси устидан чиқмоқчи бўлиб ёки
кўнгилдан чиқариб, Эгамизга куйдириладиган қурбонлик келтирмоқчи бўлса
19 нуқсонсиз буқа, қўчқор ёки такани олиб келсин. Шунда қурбонлиги қабул
бўлади. 20 Нуқсони бор жониворни олиб келманг, бундай қурбонлигингиз қабул
бўлмайди.
21 Агар бирортаси берган ваъдаси устидан чиқиш учун ёки кўнгилдан чиқариб,
Эгамизга тинчлик қурбонлигини келтирмоқчи бўлса, подаси ёки сурувидан
нуқсонсиз жониворни танлаб олсин. Қурбонлиги қабул бўлиши учун жонивор
беками–кўст бўлсин. 22 Кўр, жароҳатланган, майиб, ярасидан йиринг оққан, қўтир
ёки қичимаси бор жониворни Эгамизга келтирманг, уни оловда куйдириладиган
назр сифатида қурбонгоҳ устида куйдирманг. 23 Бир туёғи калта ёки узун бўлган
бузоқни ёки қўзичоқни кўнгилдан чиқариб берадиган қурбонлик сифатида
келтиришингиз мумкин. Лекин бундай жониворни берган ваъдангиз устидан
чиқиш учун олиб келманг, у қабул бўлмайди. 24 Мояги кўкарган, эзилган, узилган
ёки кесиб олинган жониворни Эгамизга келтирманг. Юртингизда бунга йўл
қўйманг. 25 Худойингизга қурбонлик келтирмоқчи бўлган мусофирдан ҳам майиб
жониворни қабул қилманг. Бундай жонивор нуқсонли бўлгани учун қабул
бўлмайди.
26 Эгамиз Мусога яна деди: 27 “Янги туғилган бузоқ, қўзичоқ ёки улоқча етти
кун онасининг ёнида бўлсин. Еттинчи кундан кейин уни оловда куйдириб, Менга
назр қилишингиз мумкин. 28 Лекин подангиздаги ёки сурувингиздаги она ва
болани бир кунда сўйманг. 29 Менга шукрона қурбонлигини* келтирмоқчи
бўлганингизда қоидаларга риоя қилган ҳолда келтиринг, токи қурбонлигингиз
қабул бўлсин. 30 Қурбонликнинг гўштини ўша куниёқ тановул қилинг. Ундан
эрталабгача ҳеч нарса қолдирманг. Мен Эгангизман.
31 Амрларимни битта қолдирмай бажаринг. Мен Эгангизман. 32 Мен, Муқаддас
Худони бадном қилманг. Бутун Исроил халқи Мени муқаддас деб билсин. Мен
сизларни муқаддас қиладиган Эгангизман. 33 Худойингиз бўлиш учун сизларни
Миср юртидан олиб чиққанман. Мен Эгангизман.”

23–БОБ

Байрамлар

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Исроил халқига қуйидаги қоидаларни берди: Эгамиз
белгилаган байрамларни нишонланглар, ўша кунлари муқаддас йиғин эълон
қилинглар. Эгамизнинг белгилаган байрамлари қуйидагилардир.

Шаббат куни

3 Олти кун меҳнат қилинглар, еттинчи куни — Шаббат куни эса тўлиқ дам
олинглар. Шу куни муқаддас йиғин бўлсин. Ҳеч қандай иш қилманглар. Ахир,
Шаббат куни Эгамизга аталгандир! Қаерда яшашингиздан қатъий назар, шу кунга
риоя қилинглар.

Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрами

4 Эгамиз Шаббат кунидан ташқари бошқа байрамларни ҳам белгилаб берди. Бу
байрамларда муқаддас йиғинларни ўз вақтида ўтказинглар.
5 Биринчи ойнинг* ўн тўртинчи куни кечқурун Эгамизга бағишланган Фисиҳ
зиёфатини* нишонланглар. 6 Ўша ойнинг ўн бешинчи куни эса Эгамизга атаб

хамиртурушсиз нон байрамини* қилинглар. Етти кун давомида хамиртурушсиз нонлар енглар. 7 Байрамнинг биринчи куни бутун халқ муқаддас йиғинга келсин. Ҳар кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар. 8 Етти кун давомида ҳар куни Эгамизга қурбонлик келтириб, оловда куйдиринглар. Байрамнинг еттинчи куни ҳам муқаддас йиғин ўтказинглар. Ҳар кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар.

Илк ҳосил назри

9 Эгамиз Мусо орқали 10 Исроил халқига шундай деди: “Мен сизларга бераётган юртга кирганингиздан кейин, ҳар йили йиғиштирган ҳосилингизнинг* биринчи боғламини руҳонийга олиб келинг. 11 Шаббат кунининг эртасига руҳоний боғламни Мен, Эгангизга бағишлаганини кўрсатиб юқорига кўтарсин, шунда Мен назрингизни қабул қиламан. 12 Ўша куни бир ёшли нуқсонсиз қўзини Менга куйдириладиган қурбонлик қилинг. 13 Қўзи билан бирга зайтун мойи аралаштирилган саккиз коса* сифатли унни дон назри қилинг. Оловда куйдирилган бу қурбонликдан Мен, Эгангизга ёқимли ҳид боради. Булар билан бирга икки коса* шароб назрини келтиринг. 14 Илк ҳосил назрини Менга келтирмагунингизча янги буғдойдан ёпилган нонни, қовурилган буғдой ва буғдой бошоқларини тановул қилманг. Қаерда яшашингиздан қатъий назар, бу сизлар учун авлодларингиз оша доимий қонун–қоида бўлсин.

Ҳосил байрами

15 Ҳосилингизнинг биринчи боғламини юқорига кўтариб, Мен, Эгангизга бағишлаган кунингиздан, яъни Шаббатнинг эртаси кунидан бошлаб, тўлиқ етти ҳафтани сананг. 16 Эллигинчи куни, еттинчи Шаббатдан кейин, Менга янги дон* назрини олиб келинг. 17 Қаерда яшашингиздан қатъий назар, юқорига кўтариладиган назр учун икки дона нонни олиб келинг. Нонлар саккиз коса сифатли ундан, хамиртуруш қўшиб ёпилган бўлсин. Булар Менга келтириладиган илк ҳосилингиз назридир. 18 Нон билан бирга еттита бир ёшли нуқсонсиз қўзини, битта буқани ва иккита қўчқорни олиб келинг. Буларни дон ва шароб назрлари билан бирга куйдириладиган қурбонлик қилинг. Оловда куйдирилган бу қурбонликдан Менга ёқимли ҳид боради. 19 Булардан ташқари, битта такани гуноҳ қурбонлиги ва иккита бир ёшли эркак қўзини тинчлик қурбонлиги қилинг. 20 Руҳоний иккита қўзини нонлар билан бирга Менга бағишлаганини кўрсатиш учун юқорига кўтаради. Мен — Эгангиз учун муқаддас бўлган бу назр руҳонийларники бўлсин. 21 Ўша куни муқаддас йиғин эълон қилинглар. Ҳар кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар. Қаерда яшашингиздан қатъий назар, бу сизлар учун авлодларингиз оша доимий қонун–қоида бўлсин.

22 Далангиз ҳосилини ўрганингизда даланинг энг четидаги буғдойни ўрманг, ерга тушиб қолган буғдой бошоқларини ҳам терманг. Уларни камбағал ва мусофирларга қолдиринг. Мен Эгангиз Худоман.”

Карнай байрами

23 Эгамиз Мусо орқали 24 Исроил халқига шундай деди: “Еттинчи ойнинг* биринчи кунида тўлиқ дам олинглар. Бу кун карнайларнинг садолари билан нишонланадиган хотира кунидир. Ўша куни муқаддас йиғин ўтказинглар. 25 Ҳар кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар. Менга қурбонлик келтириб, оловда куйдиринглар.”

Покланиш куни

26 Эгамиз Мусога деди: 27 “Еттинчи ойнинг* ўнинчи кунида эса Покланиш кунини* нишонланглар. Ўша куни муқаддас йиғин бўлсин. Рўза тутиб, Менга

қурбонлик келтириб, оловда куйдиринглар. 28 Ўша куни ҳеч қандай иш
қилманглар, чунки бу куни олий руҳоний Эгангиз Худо ҳузурида сизларни
гуноҳларингиздан поклайди. 29 Ўша куни рўза тутмаган одам халқ орасидан йўқ
қилинсин. 30 Иш билан машғул бўлган одамни ҳам Мен халқ орасидан йўқ
қиламан. 31 Ўша куни умуман ҳеч қандай иш қилманг. Қаерда яшашингиздан
қатъий назар, бу сизлар учун авлодларингиз оша доимий қонун–қоида бўлсин.
32 Бу куни Шаббат куни сингари тўлиқ дам олинг. Тўққизинчи куни кечқурундан
бошлаб, кейинги куни кечқурунгача* рўза тутинг.”

Чайла байрами

33 Эгамиз Мусо орқали 34 Исроил халқига шундай деди: “Еттинчи ойнинг* ўн
бешинчи кунидан бошлаб етти кун давомида Менга атаб Чайла байрамини
нишонланглар. 35 Байрамнинг биринчи куни муқаддас йиғин қилинглар. Ҳар
кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар. 36 Етти кун давомида ҳар куни
Менга қурбонлик келтириб, оловда куйдиринглар. Саккизинчи куни ҳам
муқаддас йиғин қилинглар, Менга қурбонлик келтириб, оловда куйдиринглар. Бу
охирги муқаддас йиғин кунидир. Ҳар кунги ишларингиз билан машғул
бўлманглар.

37 Мен, Эгангиз, белгилаган байрамлар шулардир. Уларни нишонлаб, муқаддас
йиғинлар ўтказинглар. Оловда куйдириладиган ҳамма назрларингизни —
куйдириладиган қурбонликларни, дон назрларини, шароб назрларини
белгиланган кунларда Менга келтиринглар. 38 Бу байрамларни Менга атаб,
Шаббат кунларидан ташқари нишонланглар. Байрам кунлари келтирадиган
қурбонликларингиз Менга берадиган эҳсонларингиздан, берган ваъдангизга
мувофиқ келтирадиган қурбонликларингиздан ва кўнгилдан чиқариб берадиган
назрларингиздан ташқари келтирилиши лозим.

39 Далангизнинг ҳосилини йиғиб бўлганингиздан кейин, етти кун давомида
Менга атаб Чайла байрамини нишонланглар. Байрам еттинчи ойнинг ўн бешинчи
кунида бошлансин. Байрамнинг биринчи ва саккизинчи кунлари тўлиқ дам
олинглар. 40 Биринчи куни дарахтларингизнинг энг яхши меваларини териб
олинглар*, пальма дарахтининг шохларини, сув бўйида ўсадиган мажнунтолнинг
ва бошқа сербарг дарахтларнинг новдаларини олиб, етти кун давомида Мен,
Эгангиз Худонинг ҳузурида хурсандчилик қилинглар. 41 Менга атаб бу байрамни
ҳар йили, етти кун давомида нишонланглар. Йилнинг еттинчи ойида
нишонланадиган бу байрам сизлар учун авлодларингиз оша доимий қонун–қоида
бўлсин. 42 Етти кун давомида чайлаларда яшанглар. Исроил халқига мансуб
бўлган ҳар бир киши чайлада яшасин. 43 Шунда Мен Исроил халқини Мисрдан
олиб чиққанимда, сизларни чайлаларда яшаттирганимни авлодларингиз
билишади. Мен Эгангиз Худоман.”

44 Шундай қилиб, Мусо Исроил халқига Эгамиз белгилаган байрамларни эълон
қилди.

24–БОБ

Мойчироқлар

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Исроил халқига қуйидаги амрларни берди: тоза зайтун
мойидан олиб келинглар. Токи мойчироқлар ҳар доим тун бўйи ёниб турсин.
3 Ҳорун мойчироқларни Учрашув чодирига, Аҳд сандиғини* тўсиб турган ички
парда олдига ўрнатсин. Мойчироқлар Эгамизнинг ҳузурида оқшомдан

эрталабгача ўчмай ёниб турсин. Бу авлодларингиз оша доимий қонун–қоида бўлсин. 4 Ҳорун мойчироқларни тоза олтиндан ясалган чироқпояга ўрнатсин. Мойчироқлар Эгамизнинг ҳузурида доимо тун бўйи ёниб турсин.

Худога назр қилинадиган нонлар

5 Сифатли ундан ўн иккита нон* ёп. Ҳар бир нон саккиз коса* ундан ёпилган бўлсин. 6 Нонларни Эгамиз ҳузуридаги тоза олтиндан ясалган хонтахта устига икки қатор қилиб тер. Ҳар бир қаторда олтитадан нон бўлсин. 7 Ҳар бир қаторга тоза хушбўй тутатқидан қўй. Бу хушбўй тутатқи ноннинг ўрнига оловда куйдирилиб, Эгамизга назр қилинади. 8 Ҳорун нонларни доимий тарзда, ҳар Шаббат куни Исроил халқи номидан Эгамиз олдига қўйсин. Бу Исроил халқининг абадий мажбуриятидир. 9 Бу нонлар Ҳорун ва унинг авлодиники бўлсин. Улар бу нонларни муқаддас жойда тановул қилишсин*. Эгамизга атаб, оловда куйдириладиган назрлардан Ҳоруннинг наслига берилган доимий улуш шудир, у ғоят муқаддасдир.

Тўғри ва адолатли ҳукмнинг мисоли

10-11 Дан қабиласидан бўлган Дибри қизи Шалумит Мисрлик бир кишига турмушга чиққан эди. Уларнинг бир ўғли бор эди. Бир куни ўша ўғли Исроил халқидан бўлган бир одам билан жанжаллашиб қолди. Жанжал пайтида Шалумитнинг ўғли қарғаниб, Худога шак келтирди. Шунда уни Мусонинг олдига олиб келишди. 12 Эгамизнинг ҳукми маълум бўлгунга қадар уни қамаб қўйишди.

13 Эгамиз Мусога деди: 14 “Шаккокни қароргоҳнинг ташқарисига олиб чиқинглар. Шак келтирганини эшитганларнинг ҳаммаси қўлини унинг бошига қўйсин, кейин бутун жамоа уни тошбўрон қилсин. 15 Исроил халқига шу гапимни айтиб қўй: «Мени қарғаган ҳар қандай одам жазога тортилсин. 16 Мен, Эгангизга шак келтирган одамнинг жазоси ўлимдир. Бутун жамоа уни тошбўрон қилсин. Ўша шаккок ким бўлишидан қатъий назар, мусофир бўладими ёки Исроил халқиданми, ўлдирилсин.

17 Одамнинг жонига қасд қилган ҳар қандай одам ўлдирилсин. 18 Бировнинг молини ўлдириб қўйган одам эгасига товон тўласин. Бундай вазиятда жон эвазига жон деган қоида қўлланилсин. 19 Агар кимдир бировга шикаст етказса, унга ҳам худди шундай шикаст етказилсин. 20 Синиқ эвазига синиқ, кўз эвазига кўз, тиш эвазига тиш билан жавоб қайтарилсин. Шикаст етказганга худди шундай шикаст етказилсин. 21 Жониворни ўлдирган товон тўласин, одамни ўлдирган эса ўлим жазосини олсин. 22 Мусофир учун ҳам, Исроиллик учун ҳам қонун бирдир. Мен Эгангиз Худоман.»”

23 Мусо бу сўзларни Исроил халқига айтиб бўлгач, халқ шаккокни қароргоҳ ташқарисига олиб чиқиб, тошбўрон қилди. Шундай қилиб, Исроил халқи Эгамизнинг Мусога берган амрини адо этди.

25–БОБ

Еттинчи йил

1-2 Эгамиз Мусо орқали Исроил халқига Синай тоғида шундай деди: “Мен сизларга бераётган юртга кирганингиздан кейин, ҳар еттинчи йили ерингизга дам беринг. 3 Олти йил давомида далаларингизга экин экинглар, узумзорларингизни бутаб, ҳосилини йиғинглар. 4 Еттинчи йили* эса ер тўлиқ дам олсин, Мен, Эгангизга бағишланган йил бўлсин. Шу йили далаларингизга экин экманглар, узумзорингизни хомток қилманглар. 5 Ердан ўсиб чиққан бошоқларни

ўрманглар, хомток қилинмаган токдаги узум бошларини йиғманглар. Ер бир йил тўлиқ дам олсин. 6 Аммо ўша йили ердан табиий ҳолда ўсиб чиққан ҳамма нарсани ейишингиз мумкин. Булар сизлар учун, қулу чўриларингиз учун, мардикору сизникида вақтинчалик турган мусофирлар учун озуқа бўлади.
7 Мол–ҳолингиз ва юртингиздаги ёввойи ҳайвонлар ҳам ер ҳосилидан озиқланишади.

Қутлуғ йил

8 Етти йилни* етти марта қўшиб сана, ҳаммаси бўлиб қирқ тўққиз йил бўлади.
9 Сўнг еттинчи ойнинг* ўнинчи куни, яъни Покланиш куни* бутун юрт бўйлаб карнайлар чалинсин. 10 Эллигинчи йилни муқаддас деб билинг. Ўша йили юрт бўйлаб ҳамма одамга озодлик эълон қилинг. Шу йил сизлар учун Қутлуғ йил бўлсин. Ҳар ким ота–бобосининг жойига, ўз қавмига қайтиб борсин. 11 Ҳа, эллигинчи йил сизлар учун Қутлуғ йил бўлсин. Шу йили экин экманглар, ердан ўсиб чиққан бошоқларни ўрманглар, хомток қилинмаган токдаги узум бошларини йиғманглар. 12 Бу Қутлуғ йил бўлгани учун, уни муқаддас деб билинглар. Тўғридан–тўғри даладан узилган ҳосилни ейишингиз мумкин.
13 Қутлуғ йил ҳаммангиз ота–боболарингиздан мерос бўлиб қолган ерларингизни қайтариб олиш учун у ерларга боринг.
14 Ерингизни қўшнингизга сотганингизда ёки қўшнидан ер сотиб олганингизда ғирромлик қилманг. 15 Ер сотиб олганингизда ернинг нархи кейинги Қутлуғ йилгача қолган йилларнинг ҳисобига асосланган бўлсин. Сотувчи ернинг нархини қолган ҳосилли йилларнинг миқдорига қараб белгиласин. 16 Агар ҳали кўп йил бор бўлса, ернинг баҳосини оширсин. Борди–ю, озроқ йил қолган бўлса, баҳосини камайтирсин. Сотувчи аслида ерни эмас, балки ер берадиган ҳосил миқдорини сотади. 17 Ғирромлик қилманг, Мен, Худойингиздан қўрқинг. Мен Эгангиз Худоман.

Еттинчи йил муаммоси

18 Қонун–қоидаларимни битта қолдирмай бажаринг, шунда юртингизда тинч яшайсизлар. 19 Ер ҳосилини беради, сизлар тўйгунингизча унинг неъматларидан ейсизлар. Юртингизда бехатар яшайсизлар.
20 Сизлар:
— Экин экиб ҳосил олмасак еттинчи йили нима еймиз? — деб сўрашингиз мумкин. 21 Мен олтинчи йили ҳосилингизга барака бераман. Ўша йили сизлар уч йилга етадиган ҳосил йиғиб оласизлар. 22 Саккизинчи йили уруғ экканингизда олтинчи йил давомида йиққан ҳосилдан тановул қиласизлар. Тўққизинчи йили ҳам ҳосилингиз пишгунча ҳануз эски ҳосилдан ейсизлар.

Мулк ҳақида

23 Ерни фақат вақтинчага сотинг, чунки ер Меникидир. Сизлар эса Менинг еримда яшаб юрган мусофир ва келгиндисизлар. 24 Ўз ерини сотган одамга ерини қайта сотиб олиш имкониятини яратиб беринг.
25 Агар юртдошингиз қашшоқлашиб мерос қилиб олган ерининг бир қисмини сотса, унинг энг яқин қариндоши сотилган ерни қайтариб сотиб олсин. 26 Агар ерни қайтариб сотиб оладиган қариндоши бўлмаса ва у одамнинг ўзи кейинчалик мол–дунё топиб, етарли маблағ йиғса, у ўз ерини қайтариб сотиб олиши мумкин.
27 Бунинг учун у Қутлуғ йилгача қолган йиллар давомида ердан олинадиган даромадни ҳисоблаб чиқиб, харидорга тўласин, шундан кейин ўз мулкини қайтариб олсин. 28 Борди–ю, ерни қайтариб сотиб олишга қурби етмаса, ер харидорнинг ихтиёрида Қутлуғ йилгача қолсин. Қутлуғ йил ер асл эгасига қайтиб

берилсин.
[29] Борди–ю, бирортаси девор билан ўралган шаҳар ичидаги уйини сотса, сотилган кундан бошлаб бир йил ўтгунча уйини қайтариб сотиб олиши мумкин. Уйни қайтариб сотиб олиш муддати бир йилдир. [30] Бир йил ўтгунча у уйини қайтариб сотиб олмаса, девор билан ўралган шаҳар ичидаги бу уй харидорнинг мулкига айланиб, абадий унинг ва наслининг ихтиёрида қолади. Қутлуғ йилда ҳам уй унинг ихтиёридан чиқмайди. [31] Атрофи девор билан ўралмаган қишлоқлардаги уйлар дала сифатида ҳисоблансин. Бундай уйларни ҳар қандай вақтда қайтариб сотиб олиш мумкин, Қутлуғ йилда улар асл эгасига қайтариб берилсин. [32] Левиларнинг шаҳарларига келсак, левилар ўз шаҳарларидаги уйларини қайтариб сотиб олиш ҳуқуқига доимо эга бўлишсин. [33] Борди–ю, леви бундай шаҳардаги сотилган уйини қайтариб сотиб олмаса, бу уй унга Қутлуғ йил қайтариб берилсин. Зотан, левиларга қарашли шаҳарлардаги уйлари левиларнинг Исроил халқи орасидаги мулкидир. [34] Лекин уларнинг шаҳарлари атрофидаги ерлар зинҳор сотилмасин, чунки бу ерлар левиларнинг абадий мулкидир.

Камбағалларга қарз бериш ҳақида

[35] Агар бирор юртдошингиз ночор аҳволга тушиб, сизга қараб қолса, унга ёрдам беринг. У орангизда ғариб ёки мусофирдай яшасин. [36] Ундан фойдаланиб пул ишламанг, фойда ҳам олманг, Мен, Худойингиздан қўрқинг. Бундай юртдошингизнинг орангизда яшашига йўл қўйинг. [37] Берган қарзингиздан фоиз талаб қилманг, овқатни ўз нархидан қимматга сотманг. [38] Мен Эгангиз Худоман. Мен Худойингиз бўлишим учун ва сизларга Канъон юртини бериш учун сизларни Мисрдан олиб чиққанман.

Қулларни озод қилиш ҳақида

[39] Агар юртдошингиздан бирортаси ўта қашшоқлашиб, ўзини сизга сотса, уни қулдай ишлатманг. [40] Унга мардикор ёки мусофирдай муомала қилинг. У Қутлуғ йилгача сизникида хизмат қилсин. [41] Қутлуғ йил у болалари билан озод бўлсин. Улар ўз хонадонига, ота–боболарининг мулкига қайтиб боришсин. [42] Бинобарин улар Менинг қулларимдир, Мен уларни Миср юртидан олиб чиққанман. Уларни қулдай сотманглар. [43] Уларга зулм ўтказманглар, Мен, Худойингиздан қўрқинглар. [44] Агар қулу чўриларга муҳтож бўлсангиз, уларни атрофингиздаги халқлардан сотиб олишингиз мумкин. [45] Орангизда яшаётган мусофирлардан ва уларнинг Исроил юртида туғилган болаларидан ҳам қулу чўрилар сотиб олишингиз мумкин. Улар сизнинг мулкингиз бўлади. [46] Уларни ўзингиздан кейин болаларингизга мерос қилиб беришингиз мумкин. Уларга қулларга муомала қилгандай муомала қилинг. Лекин Исроил халқидан бўлган биродарларингизга зулм қилманг.
[47] Агар орангизда яшаётган мусофир бойлик орттирса–ю, Исроил халқидан бўлган биродарингиз эса қашшоқлашиб ўзини мусофирга ёки мусофирнинг қавмидан бўлганларга сотса, [48] биродарингиз озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлсин. Унинг ака–укаси озодлик эвазига ҳақини тўлаб, уни озод қилсин. [49] Шунингдек, амакиси, амакиваччаси ёки бошқа бир қариндоши озодлик ҳақини тўлаб, уни озод қилиши мумкин. Сотилган одамнинг ўзи ҳам давлат орттирса, ўзини ўзи озод қила олади. [50] Бунинг учун у харидори билан келишиб, ўзини сотган йилдан бошлаб Қутлуғ йилгача қолган йилларнинг сонини ҳисоблаб чиқсин. Озодлигининг баҳоси ўша йиллар давомида мардикорга тўланадиган иш ҳақи асосида белгилансин. [51] Агар Қутлуғ йилгача ҳали кўп йиллар бор бўлса, озодлик

баҳоси харидор тўлаган нархга асосланган бўлсин. 52 Борди–ю, Қутлуғ йилгача оз қолган бўлса, қолган йилларни ҳисоблаб, шунга яраша озодлигининг нархини тўласин. 53 Мусофир сотиб олган биродарингизга бир йилга ёллаган ишчига муомалада бўлгандай муомала қилсин. Исроил халқидан бўлган биродарингизга зулм ўтказишига йўл қўйманг. 54 Агар сотилган биродарингиз озодлик ҳақини тўлаб озод бўлмаса, у Қутлуғ йил бола–чақалари билан озод қилинсин. 55 Зотан, Исроил халқи Менинг қулларимдир, уларни Миср юртидан Мен олиб чиққанман. Мен Эгангиз Худоман.

26–БОБ

Итоаткорлик эвазига бериладиган баракалар

1 Ўзингиз учун бутлар ясаманг, ўйиб ишланган тасвирлару бошқа худоларга аталган тошларни ўрнатманг. Юртингизда бутсимон тошлар ўрнатиб, уларга сажда қилманг. Зотан, Мен Эгангиз Худоман. 2 Шаббат кунларига риоя қилинг, муқаддас маконимни иззат этинг. Мен Эгангизман. 3 Агар қонунларимга риоя қилиб, амрларимни битта қолдирмай бажарсангиз, 4 Мен ўз вақтида ёмғир ёғдираман. Ер ҳосилини беради, дарахтлар мева солади. 5 Ғалла янчиш вақти узум териш пайтига уланиб кетади, узум териш пайти экин–тикин вақтига уланиб кетади. Тўйгунингизча нон ейсиз, ўз юртингизда бехатар яшайсиз. 6 Мен юртингизга тинчлик ато этаман, ётганингизда ҳеч ким сизни ваҳимага солмайди. Юртингиздан йиртқич ҳайвонларни ҳайдаб юбораман. Заминингиз уруш кўрмайди. 7 Ғанимларингизни таъқиб қиласиз, улар қиличингиздан ҳалок бўлади. 8 Сизлардан бештаси ғанимларнинг юзтасини қувади, юзтангиз ўн мингтасини қувади. Уларни қиличдан ўтказасизлар. 9 Сизларга юз бураман, баракали қилиб кўпайтираман. Сизлар билан қилган аҳдимга содиқ қоламан. 10 Эски ҳосилингизни еб бўлмасингиздан, янгисига жой бўшатиш учун эскисини чиқариб ташлайсизлар. 11 Мен орангизда яшайман, сизлардан ҳазар этмайман. 12 Доимо орангизда бўламан. Мен сизнинг Худойингиз, сизлар эса Менинг халқим бўласизлар. 13 Мен Эгангиз Худоман. Сизлар бундан буён қул бўлмаслигингиз учун Мен сизларни Мисрдан олиб чиққанман. Қаддингизни ростлаб юришингиз учун бўйинтуруғингизни синдирганман.

Итоатсизлик эвазига бериладиган жазо

14 Агар Менга қулоқ солмасангиз, Менинг амрларимни бажармасангиз, 15 қонунларимни рад этсангиз, қоидаларимдан нафратлансангиз, амрларимни бажармай, аҳдимни бузсангиз, 16 Мен бошингизга кулфат соламан, сизларни тузалмас касалликка дучор қиламан, иситмангизни чиқариб, кўзингизнинг нурини оламан, жонингизни изтиробга соламан. Эккан уруғларингиз беҳудага кетар, чунки ҳосилингиз ғанимларга насиб этар. 17 Мен юзимни сизларга қарши бураман, душманларингиз сизларни мағлуб этади. Ёвларингиз устингиздан ҳукмронлик қилади. Сизларни ҳеч ким таъқиб қилмаса ҳам тумтарақай бўлиб қочасизлар. 18 Шунда ҳам Менга итоат қилмасангизлар, гуноҳларингиз учун жазони етти карра кучайтираман. 19 Такаббурона қайсарлигингизни синдираман, осмонни темир каби қаттиқ, ерни мис каби заранг қиламан. 20 Меҳнатингиз беҳудага сарф бўлар: ерингиз ҳосил бермас, дарахтларингиз мева солмас.

21 Шунда ҳам Менга қаршилик қилиб итоат этмасангиз, гуноҳларингизга яраша етти карра кўпроқ таъзирингизни бераман. 22 Сизларга қарши йиртқич ҳайвонларни юбораман. Улар сизларни болаларингиздан жудо қилади, мол–ҳолингизни қириб юборади, шунда сонингиз камайиб, кўчаларингиз

ҳувиллаб қолади.
23 Агар шундан ҳам сабоқ олмай, Менга қаршилик қилаверсангиз, 24 Мен ҳам
сизларга қаршилик қилишни давом эттираман. Ўзим гуноҳларингиз учун етти
карра кўпроқ таъзирингизни бераман. 25 Аҳдимни бузганингиз учун бошингизга
қилич келтираман. Шаҳарларингизга қочиб беркинсангиз, ораларингизга ўлат
юбориб, сизларни ғанимлар қўлига тутиб бераман. 26 Ризқ–рўзингизни қирқаман.
Ўнта аёл бир тандирда нон ёпади, нонни ҳаммага ўлчаб беришади. Сизлар
ейсизлар–у, аммо тўймайсизлар.
27 Борди–ю, шунда ҳам Менга қулоқ солмай қаршилик қилаверсангиз, 28 Мен
ҳам ғазаб устида сизларга қаршилик қилавераман. Гуноҳларинг учун жазони етти
карра кўпайтираман. 29 Сизлар ҳатто ўғил–қизларингизнинг этини ейдиган
бўласизлар. 30 Мен саждагоҳларингизни* бузиб ташлайман, тутатқи
қурбонгоҳларингизни вайрон қиламан. Жасадларингизни жонсиз бутларингиз
устига уйиб ташлайман. Сизлардан ҳазар қиламан. 31 Шаҳарларингизни вайрон
этаман, муқаддас жойларингизни бузиб ташлайман. Қурбонликларингизнинг
ёқимли ҳидидан завқ олмайман. 32 Юртингизни шу қадар хароб қиламанки, у ерда
ўрнашиб оладиган ғанимларингиз унинг аҳволидан донг қотади. 33 Сизларни эса
халқлар орасига тарқатиб юбораман, қиличимни яланғочлаб сизларни таъқиб
қиламан. Юртингиз ҳувиллаб қолади, шаҳарларингиз харобазорга айланади.
34 Сизлар ғанимларингиз ерида бўлганингизда юртингиз дам олади. Хароб бўлиб
ётган йиллар давомида юртингиз ором олади. 35 Вайроналар ичра ётиб, дам
олади, чунки сизлар юртингизда яшаб юрган пайтингизда ерингизга дам
бермаган эдингизлар.
36 Ғанимларингиз юртида омон қолганларингизнинг юрагига ваҳима соламан.
Сизлар ҳилпираётган баргнинг овозидан даҳшатга тушасизлар. Қиличдан
қочгандай қочасизлар. Ҳеч ким сизни таъқиб қилмаса ҳам, қочиб йиқиласизлар.
37 Ҳеч ким сизни қувламаса ҳам, жонингизни ҳовучлаб қочасизлар,
бир–бирингизга туртилиб йиқиласизлар. Ҳа, сизлар ғанимларингизга бас кела
олмайсизлар. 38 Шунда халқлар орасидан йўқ бўлиб кетасизлар, ғанимларингиз
юрти сизни ютиб юборади. 39 Омон қолганларингиз ғанимлар юртида ўласизлар.
Ўз гуноҳларингиз ва ота–боболарингизнинг гуноҳлари туфайли адойи тамом
бўласизлар.
40 Лекин охири сизлар ўз гуноҳларингизни ва ота–боболарингизнинг
гуноҳларини тан оласизлар. Менга қилган қаршилигу хиёнатга иқрор бўласизлар.
41 Ўша гуноҳларингиз туфайли Мен сизларга қаршилик қилиб, сизларни
ғанимларингиз юртига олиб келаман. Шунда сизнинг суннатсиз юрагингиз
камтарликка тўлади. Қилган гуноҳларингиз учун жазо тортасизлар. 42 Шунда Мен
Ёқуб билан қилган аҳдимни ёдга оламан. Исҳоқ ва Иброҳим билан қилган
аҳдимни ҳам ёдимда тутаман, Мен юртни ёдга оламан. 43 Ҳувиллаб ётган юрт
ором олган йиллар давомида қилган гуноҳларингиз учун жазо олади. Ахир,
сизлар қоидаларимни рад этишга жазм этдингизлар, қонунларимдан ҳазар
қилдингизлар. 44 Шундай бўлса–да, Мен сизларни ғанимларингиз юртида рад
этмайман, сиздан ҳазар қилмайман, тамомила қириб юбормайман. Сизлар билан
қилган аҳдимни бузмайман. Зотан, Мен Эгангиз Худодирман. 45 Мен сизнинг
манфаатингизни кўзлаб, ота–боболарингиз билан қилган аҳдимни ёдимда
тутаман. Мен Худойингиз бўлишим учун ота–боболарингизни элларнинг кўзи
олдида Мисрдан олиб чиққанман. Мен Эгангизман.”

46 Эгамиз Мусо орқали Исроил халқига Синай тоғида берган фармону

қонун–қоидалар шулардан иборат эди.

27–БОБ

Эгамизга келтириладиган инъомлар тўғрисидаги қонун

1 Эгамиз Мусо орқали 2 Исроил халқига қуйидаги қоидаларни берди: агар
бирортангиз онт ичиб, Эгамизга бирор одамни бағишлаган бўлсангиз,
онтингизни адо этиш учун қуйидаги қийматни тўланг:

3 20 дан 60 ёшгача бўлган эркак учун 50 бўлак кумуш*,
4 20 дан 60 ёшгача бўлган аёл учун 30 бўлак кумуш*,
5 5 дан 20 ёшгача бўлган ўғил бола учун 20 бўлак кумуш*,
5 дан 20 ёшгача бўлган қиз бола учун 10 бўлак кумуш*,
6 1 ойликдан 5 ёшгача бўлган ўғил бола учун 5 бўлак кумуш*,
1 ойликдан 5 ёшгача бўлган қиз бола учун 3 бўлак кумуш*,
7 60 ва ундан юқори ёшдаги эркак учун 15 бўлак кумуш*,
60 ва ундан юқори ёшдаги аёл учун 10 бўлак кумуш.

8 Агар онт ичган одам ночорлигидан белгиланган қийматни тўлай олмаса, у
Эгамизга бағишлаган одамини руҳонийнинг олдига олиб келсин. Руҳоний онт
ичган одамнинг аҳволига яраша қийматни белгиласин.
9 Агар сиз онт ичиб, қурбонлик қилишга ярайдиган жониворни Эгамизга
бағишлаган бўлсангиз, Эгамизга аталган бу жонивор муқаддас ҳисоблансин.
10 Бундай жониворни бошқасига алмаштириб бўлмайди. Яхшисини ёмонига ёки
ёмонини яхшисига айирбошламанг. Жониворнинг бирини бошқасига
алмаштирадиган бўлсангиз, жониворларнинг иккаласи ҳам муқаддас
ҳисоблансин. 11 Агар Эгамизга қурбонлик қилишга ярамайдиган, ҳаром ҳайвонни
атаган бўлсангиз, ўша ҳайвонни руҳоний олдига олиб келинг. 12 Руҳоний
ҳайвоннинг яхши ёки ёмон аҳволига қараб баҳосини белгиласин ва унинг
қиймати руҳоний белгилагандай бўлсин. 13 Борди–ю, сиз атаган ҳайвонингизни
қайтариб олмоқчи бўлсангиз, руҳоний томонидан белгиланган қиймат устига
ўша қийматнинг бешдан бир қисмини қўшиб беринг.
14 Агар одам Эгамизга ўз уйини бағишласа, руҳоний уйни баҳоласин, уйнинг
яхши ёки ёмон аҳволига қараб қийматини белгиласин ва унинг қиймати руҳоний
белгилагандай бўлсин. 15 Мабодо уйни бағишлаган одам уйини қайтариб олмоқчи
бўлса, у руҳоний белгилаган қиймат устига қийматнинг бешдан бир қисмини
қўшиб берсин. Шунда уй яна уники бўлади.
16 Агар одам мерос қилиб олган ерини Эгамизга бағишламоқчи бўлса, ернинг
қиймати у ерга экиладиган уруғнинг миқдорига кўра белгилансин. Ўн сават*
уруғлик арпанинг баҳоси эллик бўлак кумуш бўлсин. 17 Агар дала Қутлуғ йили*
бағишланган бўлса, даланинг қиймати белгиланган баҳода қолсин. 18 Борди–ю,
дала Қутлуғ йилдан кейин бағишланган бўлса, руҳоний даланинг қийматини
кейинги Қутлуғ йилгача қолган йилларнинг сонига кўра, белгиласин. Даланинг
асл қиймати камайтирилсин. 19 Далани бағишлаган одам даласини қайтариб
олмоқчи бўлса, у белгиланган қиймат устига дала қийматининг бешдан бир
қисмини қўшиб берсин. Шунда дала яна уники бўлади. 20 Борди–ю, у даласини
қайтариб сотиб олмаса ва дала бошқа бировга сотилган бўлса, даланинг эгаси ўз
даласини қайтариб сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинсин. 21 Кейинги Қутлуғ
йил келганда бу дала Эгамизга тамомила бағишланган бўлиб, муқаддас
ҳисобланади. Дала руҳонийларга қарашли бўлади.

22 Агар бирор одам сотиб олган, яъни мерос бўлиб қолмаган даласини
Эгамизга бағишласа, 23 руҳоний даланинг қийматини Қутлуғ йилгача қолган
йиллар сони асосида белгиласин. У одам руҳоний белгилаган қийматни ўша
куниёқ Эгамизга эҳсон сифатида келтирсин. 24 Қутлуғ йил эса дала меросхўрга —
кимдан сотиб олинган бўлса, ўша одамга қайтариб берилсин. 25 Ҳар қандай
нарсанинг қийматини белгилашда Муқаддас чодирда ишлатиладиган кумуш
бирлиги асос қилиб олинсин. Ҳар бир кумуш бўлагининг оғирлиги 2,5 мисқол*
бўлсин.
26 Молу қўйларингизнинг биринчи туғилган болаларини Эгамизга
бағишламанг, улар шусиз ҳам Эгамизга тегишлидир. 27 Ҳаром ҳайвоннинг тўнғич
боласини қайтариб сотиб олишингиз мумкин. Бунинг учун белгиланган
қийматни тўлаб, бунинг устига қийматнинг бешдан бир қисмини қўшиб беринг.
Агар уни қайтариб сотиб олмасангиз, руҳоний уни бошқа бировга белгилаган
қийматга сотиб юбориши мумкин.
28 Эгамизга тамомила бағишланган ҳар қандай одамни, жонивор ёки мерос
қилиб олинган ерни қайтариб сотиб олиш ёки сотиб юбориш мумкин эмас.
Эгамизга тамомила бағишланган ҳар қандай нарса Эгамизга абадий тегишли
ҳисобланади. 29 Ҳатто Эгамизга тамомила бағишланган одамни ҳам қайтариб
сотиб олишингиз мумкин эмас. Уни ўлдиришингиз лозим.
30 Ер ҳосилидан ва дарахт меваларидан олинган ушр* ҳам Эгамизникидир.
Булар Эгамиз учун муқаддасдир. 31 Агар бирортаси ушрини қайтариб сотиб
олмоқчи бўлса, ушрнинг қиймати устига қийматнинг бешдан бир қисмини қўшиб
берсин. 32 Пода ва сурувингиздан олинган ушрни — саналган ҳар ўнинчи
жониворни Эгамизга бағишланг. 33 Ушр қилиб олинган жониворни танламанг,
уни яхшиси ёки ёмонига алмаштирманг. Агар алмаштирадиган бўлсангиз,
жониворларнинг иккаласи ҳам муқаддас ҳисоблансин, уларни қайтариб сотиб
олишингиз мумкин эмас.

34 Эгамиз Мусо орқали Исроил халқига Синай тоғида берган амрлар шулардан
иборат эди.

ИЗОҲЛАР

1:3 *бу қурбонлигингизни* — ёки *сизни*. Ибронийча матнда бу ўринда ишлатилган олмош қурбонликка ёки қурбонликни келтираётган одамга ишора қилади.

1:14 *каптар ёки мусича* — буқа, қўчқор ёки такани қурбонлик қилишга қурби етмаган камбағал одамлар буларнинг ўрнига каптар ёки мусичани қурбонлик қилишлари мумкин эди (5:7, 12:8 га қаранг).

1:16 *Жиғилдонини, ичидаги нарсалари билан бирга, суғуриб олиб…* — ёки *Жиғилдони ва патларини суғуриб олиб….*

2:13 *…туз Худойингиз сизлар билан тузган аҳдни билдиради* — туз барқарорлик ва ўзгармаслик рамзидир, чунки қадимда туз баъзи озиқ–овқат маҳсулотларини ачиб қолишдан сақлаш учун ишлатилган. Бу ўринда туз аҳднинг барқарорлигини билдиради (Саҳрода 18:19, 2 Солномалар 13:5 га қаранг). Шу аҳдга кўра, Худо ҳеч қачон Унга сажда қилганларни тарк этмайди, сажда қилувчилар эса Худонинг қонунларига доимо риоя қилишлари шарт.

3:4 *жигарнинг аъло қисми* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *жигарнинг туртиб чиққан жойи* (шу бобнинг 10, 15–оятларида ҳам бор). Бу ўринда нима учун жигарнинг айнан шу қисми ҳақида сўз кетгани аниқ эмас. Баъзи олимларнинг фикри бўйича, жигарнинг бу қисми энг аъло қисм ҳисобланиб, Эгамизга атаб куйдиришга лойиқ эди. Бошқаларнинг айтишича эса, бутпараст халқлар жигарнинг бу қисмини фол очишда ишлатганлари учун, уни куйдириб йўқ қилиш керак эди. Бошқа олимлар эса бу ўриндаги ибронийча сўзни “жигарни қоплаб турган парда” деб талқин қилишади.

4:7 *тутатқи қурбонгоҳининг шохлари* — тутатқи қурбонгоҳининг тепасидаги тўрт бурчагидан тўртта шох бўртиб чиққан эди.

4:9 *жигарнинг аъло қисми* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *жигарнинг туртиб чиққан жойи*. 3:4 изоҳига қаранг.

4:25 *қурбонгоҳ шохлари* — қурбонгоҳнинг тепасидаги тўрт бурчагидан тўртта шох бўртиб чиққан эди.

5:11 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

5:15 *…кумушни олиб келинг* — ибронийча матнда *…кумушни олиб келинг. Кумуш Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра ўлчанган*. Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади.

6:18 *Бу назрга теккан ҳар қандай нарса муқаддас бўлади* — ёки *Бу назрга теккан ҳар қандай одам муқаддас бўлади* ёхуд *Бу назрга тегмоқчи бўлган ҳар қандай одам покланган бўлиши шарт*.

6:20 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

6:27 *Қурбонлик гўштига теккан ҳар қандай нарса муқаддас бўлади* — шу бобнинг 18–ояти изоҳига қаранг.

6:28 *Гўшт пиширилган сопол идиш синдирилсин* — сопол идишни гўштнинг ёғларидан бутунлай тозалаб бўлмасди. Қайнатилган қурбонлик гўшти туфайли идиш муқаддас ҳисобланарди, шунинг учун уни бошқа идишлар сингари қайта ишлатиш мумкин эмас эди.

6:30 *бундай қурбонлик гўшти* — 4:1-21 га қаранг.

7:4 *жигарнинг аъло қисми* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *жигарнинг туртиб чиққан жойи*. 3:4 изоҳига қаранг.

7:6 *Уни муқаддас жойда тановул қилишсин…* — 6:16 га қаранг.

8:2 *муқаддас қиладиган мой* — зайтун мойи ва зираворларнинг махсус аралашмасидан тайёрланиб, фақат руҳонийлар томонидан диний маросимларни адо этиш учун ишлатилган (Чиқиш 30:22-33 га қаранг).

8:7-8 *…эфод…[8]…кўкракпеч…* — луғатдаги РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига ишланган расмларга қаранг.

8:8 *Урим ва Туммим* — айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун фойдаланадиган иккита муқаддас нарса. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

8:15 *қурбонгоҳнинг шохлари* — 4:25 изоҳига қаранг.

8:16 *жигарнинг аъло қисми* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *жигарнинг туртиб чиққан жойи* (шу бобнинг 25–оятида ҳам бор). 3:4 изоҳига қаранг.

8:23 *солинчак* — қулоқнинг пастки юмшоқ қисми.

8:26 *хамиртурушсиз нонлар солинган савати* — шу бобнинг 2–оятига ва Чиқиш 29:1-3 га қаранг.

9:9 *қурбонгоҳнинг шохлари* — 4:25 изоҳига қаранг.

9:10 *жигарнинг аъло қисми* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *жигарнинг туртиб чиққан жойи* (шу бобнинг 19–оятида ҳам бор). 3:4 изоҳига қаранг.

10:6 *…сочингизни тўзитманглар…* — ёки *…бош яланг юрманглар…*.

10:7 *муқаддас қиладиган мой* — 8:2 изоҳига қаранг.

11:4 *…ҳайвонлардан қуйидагиларни тановул қилманг* — ибронийча матндаги шу бобнинг 5-30–оятларида айтиб ўтилган баъзи ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротлар қандай ҳайвон, қуш ёки ҳашарот эканлиги баҳсли.

13:2 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун, бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Шу бобнинг 45-46–оятларига қаранг).

13:2 *унинг ўғиллари* — ёки *унинг насли*. Қонунга кўра, фақат Ҳорун ва унинг наслидан бўлган ўғиллар руҳоний бўлиб хизмат қила олишарди. Матннинг асосий мазмуни касал одамни руҳонийга кўрсатишдан иборат.

13:45 *…сочини тўзитсин…* — ёки *…бош яланг юрсин…*.

14:2 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. 13:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

14:4 *иссоп ўти* — бу ўриндаги ибронийча сўз майда кўк гулли, барглари муаттар ҳидли ўсимликни билдиради.

14:10 *ўн икки коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан уч қисми*, тахминан 6

литрга тўғри келади.

14:10 *бир коса* — ибронийча матнда *бир лўг*, тахминан 300 миллилитрга тўғри келади. Шу бобнинг 12, 15, 21, 24–оятларида ҳам бор.

14:14 *солинчак* — қулоқнинг пастки юмшоқ қисми.

14:21 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

16:1-2 *Ҳоруннинг икки ўғли…нобуд бўлганларидан сўнг…* — 10:1-2 га қаранг.

16:1-2 *…Энг муқаддас хонага хоҳлаган пайтида кирмасин* — олий руҳоний Энг муқаддас хонага фақат йилда бир марта кириши мумкин эди. Шу бобнинг 29-34–оятларига қаранг.

16:8 *…қуръа ташласин…* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

16:13 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. Ибронийча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Иккала тош лавҳа Сандиқнинг ичида сақланиб, Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди.

16:18 *қурбонгоҳнинг ҳар бир шохи* — 4:25 изоҳига қаранг.

16:29 *Еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

16:34 *Эгамиз нимани амр этган бўлса, Мусо ҳаммасини адо этди* — ёки *Мусога Эгамиз нимани амр этган бўлса, Ҳорун ҳаммасини адо этди*.

17:7 *эчки жинлар* — одамларнинг тасаввурига кўра, бу жинлар саҳрода яшардилар.

18:21 *Болаларингизнинг бирортасини Мўлахга қурбонлик қилманг…* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Болаларингизнинг бирортасини Мўлахга хизмат қилдирманг…*.

19:27-28 *Чаккангиздаги сочларингизни қирманг…[28]…терингизни тешиб сурат солманг* — бу одатлар бутпараст халқларга хос эди.

19:29 *Қизингизни фоҳишалик қилишга ундаманг…* — ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар. Лекин Эгамиз Исроил халқига бу йўл билан сажда қилишни қатъиян ман этган (Қонунлар 23:17-18 га қаранг).

19:36 *ўлчов тоғораю косаларингиз* — ибронийча матнда *эфа ва хин*. Булар ўлчов бирликлари бўлиб, *эфа* қуруқ нарсаларни ўлчаш учун, *хин* эса суюқликларни ўлчаш учун ишлатиларди.

20:21 *Агар эркак акасининг ёки укасининг хотинига уйланса, ярамас иш қилган бўлади* — эркак ўз акаси ёки укасининг тириклиги пайтида унинг хотинига уйланиши қатъиян ман этиларди. Фақатгина акаси ёки укаси фарзанд кўрмай

вафот этгандагина, у марҳумнинг бева қолган хотинига уйланишга бурчли эди. Бундан мақсад марҳум қондошининг наслини давом эттириш эди (Қонунлар 25:5-6 га қаранг).

20:24 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут — мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

21:5 *...сочини қирмасин...баданини тилмасин* — 19:27-28 га ва ўша оятларнинг изоҳига қаранг.

21:10 *...сочини тўзитмасин...* — ёки *...бош яланг юрмасин....*

21:12 *муқаддас қиладиган мой* — 8:2 изоҳига қаранг.

22:4 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. 13:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

22:29 *шукрона қурбонлиги* — 7:11-15 га қаранг.

23:5 *Биринчи ой* — иброний календарининг Абиб ойи назарда тутилган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

23:5 *Фисиҳ зиёфати* — Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланган зиёфат (Чиқиш 12:1-42 га қаранг).

23:6 *хамиртурушсиз нон байрами* — етти кунлик байрам бўлиб, Фисиҳ зиёфати сингари, Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлганини нишонлаш учун ўтказиларди (Чиқиш 12:14-20, 13:3-10 га қаранг).

23:10 *ҳар йили йиғиштирган ҳосилингиз* — баҳорнинг Абиб ойида пишадиган арпа ҳосилига ишора (шу бобнинг 5–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг).

23:13 *саккиз коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан икки қисми*, тахминан 4 литрга тўғри келади (шу бобнинг 17–оятида ҳам бор).

23:13 *икки коса* — ибронийча матнда *чорак хин*, тахминан 1 литрга тўғри келади.

23:16 *янги дон* — буғдойнинг илк ҳосилига нисбатан айтилган (Чиқиш 34:22 га қаранг).

23:24 *Еттинчи ой* — 16:29 изоҳига қаранг.

23:27 *Еттинчи ой* — 16:29 изоҳига қаранг.

23:27 *Покланиш куни* — 16:1-34 га қаранг.

23:32 *...кечқурундан...кечқурунгача...* — қадимда Исроил халқининг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланиб, кейинги куни қуёш ботгунча давом этар эди.

23:34 *Еттинчи ой* — 16:29 изоҳига қаранг.

23:40 *...дарахтларингизнинг энг яхши мевваларини териб олинглар...* — ёки *...энг яхши дарахтларингизнинг шохларини олинглар....*

24:3 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. 16:13 изоҳига қаранг.

24:5 *ўн иккита нон* — бу нонлар Исроил халқининг ўн иккита қабиласи учун хонтахтага қўйилган бўлиб, Эгамизнинг Муқаддас чодирда зоҳир бўлишини акс эттирувчи тимсол эди. Шунингдек, Худо Исроил халқининг қудрати ва

таъминловчиси эканлигидан дарак бериб турган.

24:5 *саккиз коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан икки қисми*, тахминан 4 литрга тўғри келади.

24:9 *Улар бу нонларни муқаддас жойда тановул қилишсин* — 6:16 га қаранг.

25:4 *Еттинчи йили* — Чиқиш 23:10-11 га қаранг.

25:8 *Етти йил* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Етти Шаббат йили*. Ҳар еттинчи йили *Шаббат йили* деб ҳисобланган (шу бобнинг 1-4–оятларига қаранг).

25:9 *еттинчи ой* — 16:29 изоҳига қаранг.

25:9 *Покланиш куни* — 16:1-34, 23:26-32 га қаранг.

26:30 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди.

27:3 *50 бўлак кумуш* — ибронийча матнда *Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра ўлчанган 50 шақал кумуш*. Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, 50 кумуш бўлаклар оғирлиги тахминан 550 грамм эди.

27:4 *30 бўлак кумуш* — ибронийча матнда *30 шақал кумуш*, тахминан 330 граммга тўғри келади.

27:5 *20 бўлак кумуш* — ибронийча матнда *20 шақал кумуш*, тахминан 230 граммга тўғри келади.

27:5 *10 бўлак кумуш* — ибронийча матнда *10 шақал кумуш*, тахминан 110 граммга тўғри келади. Шу бобнинг 7–оятида ҳам бор.

27:6 *5 бўлак кумуш* — ибронийча матнда *5 шақал кумуш*, тахминан 55 граммга тўғри келади.

27:6 *3 бўлак кумуш* — ибронийча матнда *3 шақал кумуш*, тахминан 33 граммга тўғри келади.

27:7 *15 бўлак кумуш* — ибронийча матнда *15 шақал кумуш*, тахминан 165 граммга тўғри келади.

27:16 *Ўн савот* — ибронийча матнда *бир ҳўмр*, тахминан 220 литрга тўғри келади.

27:17 *Қутлуғ йил* — 25:8-34 га қаранг.

27:25 *...оғирлиги 2,5 мисқол...* — ибронийча матнда *...оғирлиги 20 гера бўлган шақал...*. 20 гера тахминан 11 граммга тўғри келади.

27:30 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

САҲРОДА
(ТАВРОТНИНГ ТЎРТИНЧИ КИТОБИ)

Кириш

Саҳрода китоби Тавротнинг тўртинчи китобидир. Мазкур китобда Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиб чиққандан кейинги тарихи баён этилади. Китобда Исроил халқининг Синай тоғидан Канъон юртига қилган қирқ йиллик сафари давомида саҳрода юз берган воқеалар ҳикоя қилинади. Шу сабабдан китоб “Саҳрода” деб номланган. Синай саҳроси ҳозирги Мисрнинг шимоли–шарқидадир.

Китобни уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмда (1:1-10:10) Худо Мусога: “Урушга яроқли ҳамма эркакларни санаб чиқ!” деб амр беради. Сўнг Исроил халқининг қароргоҳда жойлашиш тартиби ва Леви қабиласининг Учрашув чодири атрофида қай тарзда ўрнашиши тўғрисида Мусога батафсил кўрсатмалар беради. Шу йўл билан Худо Исроил халқини жангларга шай ҳолатга келтиради.

Иккинчи қисмда (10:11-21:20) Исроил халқининг саҳрода тортган машаққатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Исроил халқи саҳродаги ҳаётдан кўп нолийди, ҳатто Худога ва Мусога қарши исён кўтаради. Улар Канъон юртида истиқомат қилаётган қудратли халқлар тўғрисида эшитгандан кейин, Худога итоат этмай, Канъон юртига ҳужум қилишдан бош тортади. Шунинг учун Худо Исроил халқини жазолайди. Оқибатда, улар қирқ йил саҳрода дарбадар кезишади, шу вақт мобайнида халқнинг рўйхатга кирган, урушга яроқли бутун авлоди ўлиб кетади. Худо Исроил халқининг янги авлодини Ўзи ваъда қилган юртга бошлайди. Ниҳоят, халқ Мусо бошчилигида Эдом юртидан Мўаб юрти томон йўл олади.

Саҳрода китобининг учинчи қисми (21:21-36:13) Исроил халқининг Иордан дарёси шарқидаги ерларни эгаллаши тўғрисидаги воқеалар билан бошланади. Мўаб шоҳи Исроил халқини лаънатлаш учун бегона халқдан бўлган Балом пайғамбарни ёллайди. Лекин Балом Исроил халқини қайта–қайта дуо қилади. Шу орқали Худо Ўз халқига бўлган садоқатини намоён қилади, уларнинг итоатсизлигига қарамай, эзгу ниятларини амалга оширмоқчи эканини кўрсатади.

Сўнг Исроил халқи Иордан дарёсидан ўтишга ва ғарбдаги Канъон юртини забт этишга тайёргарлик кўради. Исроил халқининг баъзи қабилалари Иордан дарёсининг шарқига ўрнашишга қарор қилишади. Исроил халқининг урушга яроқли янги авлоди рўйхатга олинади, сўнг Худо Ёшуани Мусонинг ўрнига Исроилнинг навбатдаги йўлбошчиси қилиб тайинлайди.

Саҳрода китобида исёнкор, руҳан тушкун, Худодан умидини узган халқ тўғрисида ҳикоя қилинади. Шунингдек, китобда Худонинг Ўз халқига кўрсатган меҳрибонлиги, уларни жангларда ҳимоя қилгани, қақраган саҳрода уларга егулик ва сув ато этгани тўғрисидаги воқеалар ҳам баён қилинади.

1–БОБ

Исроил халқи илк бор рўйхатга олинади

1 Исроил халқи Миср юртини тарк этиб*, Синай саҳросига келганига икки йилу икки ой бўлди. Иккинчи ойнинг* биринчи кунида Эгамиз Учрашув чодирида
2-3 Мусога шундай деди: “Сен ва Ҳорун жамики Исроил халқини уруғи, хонадони

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

бўйича санаб чиқинглар. Урушга яроқли бўлган йигирма ва ундан юқори ёшдаги ҳамма эркакларни гуруҳларга бўлиб, номма–ном рўйхатини тузинглар. 4 Ҳар бир қабиладан биттадан уруғбоши сизларга ёрдам берсин. 5 Сизларга ёрдам берадиган уруғбошиларнинг исми қуйидагичадир:

Рубен қабиласидан — Шадувор ўғли Элизур.
6 Шимўн қабиласидан — Зуришадай ўғли Шалумиёл.
7 Яҳудо қабиласидан — Оминадав ўғли Нахшўн.
8 Иссахор қабиласидан — Зувор ўғли Натанил.
9 Забулун қабиласидан — Халон ўғли Элиёб.
10 Юсуф ўғли Эфрайим қабиласидан — Омиҳуд ўғли Элишама.
Юсуф ўғли Манаше қабиласидан — Падозур ўғли Гамалиёл.
11 Бенямин қабиласидан — Гидўнах ўғли Авидон.
12 Дан қабиласидан — Омишадай ўғли Охазар.
13 Ошер қабиласидан — Охрон ўғли Пахиёл.
14 Гад қабиласидан — Дувел ўғли Элиасаф.
15 Нафтали қабиласидан — Энан ўғли Охир.”

16 Жамоа орасидан танланган ана шу уруғбошилар Исроил қабилаларининг йўлбошчилари эди.

17-19 Мусо ва Ҳорун уруғбошилар билан биргаликда иккинчи ойнинг* биринчи кунида бутун жамоани йиғишди. Улар Исроил халқининг барча уруғларини ва хонадонларини аниқлаб чиқишди. Сўнг Мусога Эгамиз амр этгандай, жамоанинг йигирма ва ундан юқори ёшдаги ҳамма эркакларини номма–ном алоҳида рўйхатга олишди. Шу тариқа Мусо Синай саҳросида Исроил халқини санаб чиқди.

20-21 Уруғи ва хонадони бўйича номма–ном рўйхатга олинган, йигирма ва ундан юқори ёшдаги урушга яроқли эркакларнинг сони* қуйидагича эди:

Исроилнинг* тўнғич ўғли Рубен қабиласидан — 46.500 нафар одам,
22-23 Шимўн қабиласидан — 59.300 нафар одам,
24-25 Гад қабиласидан — 45.650 нафар одам,
26-27 Яҳудо қабиласидан — 74.600 нафар одам,
28-29 Иссахор қабиласидан — 54.400 нафар одам,
30-31 Забулун қабиласидан — 57.400 нафар одам,
32-33 Юсуф ўғли Эфрайим қабиласидан — 40.500 нафар одам,
34-35 Юсуф ўғли Манаше қабиласидан — 32.200 нафар одам,
36-37 Бенямин қабиласидан — 35.400 нафар одам,
38-39 Дан қабиласидан — 62.700 нафар одам,
40-41 Ошер қабиласидан — 41.500 нафар одам,
42-43 Нафтали қабиласидан — 53.400 нафар одам.

44 Мусо, Ҳорун ва Исроил халқининг ўн икки уруғбошиси санаб чиққан одамлар ана шулар эдилар. Уларнинг ҳаммаси ота–боболарининг насли бўйича рўйхатга олинди. 45 Хуллас, Исроил халқининг йигирма ва ундан юқори ёшдаги урушга яроқли ҳамма эркаклари хонадонлари бўйича саналганда, 46 603.550 та чиқди.

47 Леви қабиласи эса бу рўйхатга киритилмаган эди, 48 чунки Мусога Эгамиз шундай деганди: 49 “Леви қабиласини рўйхатга киритма, уларни Исроил халқи билан бирга санама. 50 Левиларга Муқаддас аҳд чодирини*, унинг ҳамма ашёларини ва Чодирга тегишли бўлган барча нарсаларни топшир. Йўлга чиққанларингизда, левилар Чодирни ва ундаги ҳамма ашёларни кўтариб

юрсинлар. Чодирни асраб–авайлаб, унинг ёнига ўз чодирларини тиксинлар. 51 Ҳар
сафар Муқаддас чодир кўчирилганда, левилар Чодирни йиғишсин. Қароргоҳ
қурганингизда эса Чодирни яна ўрнатишсин. Чодирнинг яқинига борган бошқа
ҳар қандай одам учун жазо ўлимдир. 52 Қолган Исроил қабилалари ўз
қароргоҳларида гуруҳ–гуруҳ бўлиб жойлашсин. 53 Исроил халқи Менинг
қаҳр–ғазабимга учрамаслиги учун, левилар ўз чодирларини Муқаддас аҳд чодири
атрофида ўрнатиб, ўша ерда Чодирни қўриқлашсин.”
54 Мусога Эгамиз қандай амр этган бўлса, Исроил халқи шуни қилди.

2–БОБ

Исроил қабилаларининг қароргоҳдаги жойлашув тартиби

1 Эгамиз Мусо билан Ҳорунга яна деди: 2 “Исроил халқининг ҳар бир қабиласи
чодирларини ўз қароргоҳида, ўз хонадони байроқлари остида жойлаштирсин.
Улар чодирларини Учрашув чодирининг айланасига, ундан маълум бир масофада
тикишсин.

Шарқий қароргоҳ

3 Учрашув чодирининг шарқ томонида чодир тикадиган қабилалар
Яҳудо қароргоҳида гуруҳ–гуруҳ бўлиб жойлашсин. Яҳудо қабиласининг
йўлбошчиси Оминадав ўғли Нахшўндир. 4 Унинг саноққа кирган сипоҳлари
74.600 тадир.
5 Ундан кейин Иссахор қабиласи чодирларини жойлаштирсин. Иссахор
қабиласининг йўлбошчиси Зувор ўғли Натанилдир. 6 Унинг саноққа кирган
сипоҳи 54.400 тадир.
7 Ундан кейин эса Забулун қабиласи чодирларини жойлаштирсин.
Забулун қабиласининг йўлбошчиси Халон ўғли Элиёбдир. 8 Унинг саноққа
кирган сипоҳи 57.400 тадир.
9 Яҳудо қароргоҳидаги саноққа кирган сипоҳларнинг ҳаммаси
186.400 тадир. Биринчи бўлиб улар йўлга чиқишсин.

Жанубий қароргоҳ

10 Учрашув чодирининг жануб томонида чодир тикадиган қабилалар
Рубен қароргоҳида гуруҳ–гуруҳ бўлиб жойлашсинлар. Рубен қабиласининг
йўлбошчиси Шадувор ўғли Элизурдир. 11 Унинг саноққа кирган сипоҳлари
46.500 тадир.
12 Унинг ёнида Шимўн қабиласи чодирларини ўрнаштирсин. Шимўн
қабиласининг йўлбошчиси Зуришадай ўғли Шалумиёлдир. 13 Унинг
саноққа кирган сипоҳи 59.300 тадир.
14 Кейин Гад қабиласи чодирларини жойлаштирсин. Гад қабиласининг
йўлбошчиси Дувел* ўғли Элиасафдир. 15 Унинг саноққа кирган сипоҳи
45.650 тадир.
16 Рубен қароргоҳидаги ҳисобга кирган сипоҳларнинг ҳаммаси
151.450 тадир. Иккинчи бўлиб улар йўлга чиқишсин.

Қароргоҳларнинг маркази

17 Дастлабки иккита қароргоҳ ва кейинги иккита қароргоҳ ўртасида
левилар Учрашув чодири билан бирга йўлга чиқишсин. Қабилалар қай
тартибда қароргоҳда жойлашган бўлса, яна ўша тартибда йўлга
чиқишлари лозим. Ҳар бири ўз ўрнида, ўз қароргоҳи сафида борсин.

Ғарбий қароргоҳ

18 Учрашув чодирининг ғарб томонида чодир тикадиган қабилалар
Эфрайим қароргоҳида гуруҳ–гуруҳ бўлиб жойлашсинлар. Эфрайим
қабиласининг йўлбошчиси Омиҳуд ўғли Элишамадир. 19 Унинг саноққа
кирган сипоҳи 40.500 тадир.
20 Ундан кейин Манаше қабиласи чодирларини ўрнаштирсин. Манаше
қабиласининг йўлбошчиси Падозур ўғли Гамалиёлдир. 21 Унинг саноққа
кирган сипоҳлари 32.200 тадир.
22 Сўнгра Бенямин қабиласи чодирларини жойлаштирсин. Бенямин
қабиласининг йўлбошчиси Гидўнах ўғли Авидондир. 23 Унинг саноққа
кирган сипоҳлари 35.400 тадир.
24 Эфрайим қароргоҳидаги саноққа кирган ҳамма сипоҳлар
108.100 тадир. Учинчи бўлиб улар йўлга чиқишсин.

Шимолий қароргоҳ

25 Учрашув чодирининг шимол томонида чодир тикадиган қабилалар
Дан қароргоҳида гуруҳ–гуруҳ бўлиб жойлашсинлар. Дан қабиласининг
йўлбошчиси Омишадай ўғли Охазардир. 26 Унинг саноққа кирган сипоҳлари
62.700 тадир.
27 Унинг ёнида Ошер қабиласи чодирларини ўрнаштирсин. Ошер
қабиласининг йўлбошчиси Охрон ўғли Пахиёлдир. 28 Унинг саноққа кирган
сипоҳлари 41.500 тадир.
29 Сўнгра Нафтали қабиласи чодирларини ўрнаштирсин. Нафтали
қабиласининг йўлбошчиси Энан ўғли Охирдир. 30 Унинг саноққа кирган
сипоҳлари 53.400 тадир.
31 Дан қароргоҳидаги саноққа кирган ҳамма сипоҳлар 157.600 тадир.
Улар гуруҳ–гуруҳ бўлиб охирида йўлга чиқишсин.”

32 Шундай қилиб, бутун Исроил халқи хонадонлари бўйича саноқдан ўтди.
Қароргоҳларда гуруҳ–гуруҳ бўлиб жойлашган лашкарнинг умумий сони
603.550 та чиқди. 33 Мусога Эгамиз амр этгандай, Леви қабиласи Исроил халқига
қўшиб ҳисобланмади.
34 Хуллас, Мусога Эгамиз нима амр этган бўлса, Исроил халқи шуни қилди.
Улар қароргоҳи бўйича жойлашган, ҳар бири ўз уруғи, хонадони бўйича йўлга
чиққан эди.

3–БОБ

Руҳоний Ҳоруннинг ўғиллари

1 Эгамиз Синай тоғида Мусо билан сўзлашганда, Мусо ва Ҳоруннинг насли
қуйидагилардан иборат эди: 2 Ҳоруннинг тўртта ўғли бор эди: Надов, Абиҳу,
Элазар ва Итамар. Надов тўнғич ўғил эди. 3 Мусо Ҳоруннинг бу ўғилларига мой
суртиб, уларни руҳонийликка тайинлаган эди. 4 Лекин Надов билан Абиҳу Синай
саҳросида Эгамиз амр этмаган оловни Унинг ҳузурига олиб келганлари учун ўша
ерда нобуд бўлган эдилар*. Иккови ҳам бефарзанд эди. Шунинг учун фақат Элазар
билан Итамар оталари Ҳорун ҳаётлигида руҳоний бўлиб хизмат қилган эдилар.

Леви қабиласи руҳонийлик хизматига тайинланади

5 Мусога Эгамиз шундай амр берди: 6 “Леви қабиласини руҳоний Ҳорун
ҳузурига бошлаб кел. Улар Ҳорунга ёрдам беришсин. 7 Левилар Учрашув чодирида
Ҳорунга ва бутун Исроил жамоасига хизмат қилиб, Чодирга оид бўлган барча

юмушларни бажаришсин. 8 Улар Муқаддас чодирда Исроил халқи учун хизмат қилишар экан, Чодирдаги ҳамма ашёлар учун масъул бўлишсин. 9 Левиларни Ҳорун ва унинг ўғиллари ихтиёрига бер. Исроил халқининг бу қабиласи тўлиқ уларнинг ихтиёрида бўлиши шарт. 10 Ҳорун ва унинг ўғилларини руҳонийлик хизматига тайинла. Руҳонийлик вазифасини бажарган ҳар қандай бошқа одамнинг жазоси ўлимдир.”

11 Мусога Эгамиз яна деди: 12 “Мен левиларни Исроил халқининг онадан туғилган барча тўнғич ўғиллари ўрнида қабул қилганман. Левилар Меникидир. 13 Зотан, ҳамма тўнғич ўғиллар Менга тегишли. Мен Мисрликларнинг ҳамма тўнғич ўғилларини нобуд қилган куним Исроил халқининг барча тўнғичларини — одамидан тортиб ҳайвонига қадар Ўзим учун ажратиб олганман*. Уларнинг ҳаммаси Меники бўлиши шарт. Зотан, Мен Эгангизман.”

Леви қабиласи рўйхатга олинади

14 Мусога Эгамиз Синай саҳросида яна айтди: 15 “Леви қабиласини уруғи ва хонадонлари бўйича санаб чиқ. Бир ойлик ўғил болалардан тортиб, катта ёшдаги эркакларгача санаб чиқ.” 16 Эгамизнинг амри бўйича Мусо уларни санаб чиқди.

17 Левининг учта ўғли бўлиб, исмлари Гершон, Қоҳот ва Марори эди.
18 Гершоннинг Лубнах ва Шимах деган ўғиллари бўлиб, ҳар қайсисидан
биттадан уруғ келиб чиқди.
19 Қоҳотнинг Имром, Изхор, Хеврон ва Узиёл деган ўғиллари бўлиб,
уларнинг ҳар биридан ҳам биттадан уруғ келиб чиқди.
20 Мароринг Махли ва Муши деган ўғиллари бўлиб, уларнинг ҳар
биридан ҳам биттадан уруғ келиб чиқди.

Леви уруғларининг ота хонадони бўйича рўйхатга олинганлари ана шулар эди.

21 Гершондан Лубнах ва Шимах уруғлари келиб чиқди. 22 Гершон уруғига қарашли бир ойлик ўғил болалардан тортиб, катта ёшдаги эркакларгача саналганда, 7500 та чиқди. 23 Гершон уруғи чодирларини Муқаддас чодирнинг орқа томонида, ғарбда ўрнаштиришлари керак эди. 24 Гершон уруғининг оқсоқоли Лоёл ўғли Элиасаф эди. 25 Гершон уруғи Чодирнинг қуйидаги ашёлари учун масъул эди: Чодирнинг ички қавати ва қопламалари, Чодирга кираверишдаги парда, 26 Чодир билан қурбонгоҳ атрофини тўсиб турадиган пардалар, ҳовлига кираверишдаги парда ва унинг арқонлари. Чодирнинг бу ашёлари билан боғлиқ бўлган барча хизмат Гершон уруғи зиммасида эди.

27 Қоҳотдан Имром, Изхор, Хеврон ва Узиёл уруғлари келиб чиқди. 28 Уларга қарашли бир ойлик ўғил болалардан тортиб, катта ёшдаги эркакларгача саналганда, 8600* та чиқди. Қоҳот уруғи Муқаддас чодир* учун масъул эди. 29 Қоҳот уруғи Муқаддас чодирнинг жануб томонида Чодир қуриши керак эди. 30 Қоҳот уруғи оқсоқоли Узиёл ўғли Элизофон эди. 31 Улар Чодирдаги қуйидаги ашёлар учун масъул эдилар: Сандиқ, хонтахта, чироқпоя, қурбонгоҳлар, хизмат пайтида ишлатиладиган Муқаддас чодир буюмлари ва ички пардаси. Чодирдаги бу ашёлар билан боғлиқ бўлган барча хизмат Қоҳот уруғи зиммасида эди. 32 Леви оқсоқоллари устидан руҳоний Ҳорун ўғли Элазар бошчилик қиларди. Муқаддас чодир учун масъул бўлганлар Элазарнинг назорати остида эдилар.

33 Мароридан Махли ва Муши уруғлари келиб чиқди. 34 Марори уруғининг бир ойлик ўғил болаларидан тортиб, катта ёшдаги эркакларигача саналганда, 6200 та чиқди. 35 Марори уруғи оқсоқоли Абуҳайил ўғли Зуриёл эди. Улар Муқаддас чодирнинг шимол томонига чодирларини ўрнатишлари керак эди. 36-37 Улар

Чодирдаги қуйидаги ашёлар учун масъул эдилар: Чодирнинг ромлари, тамбалари, устунлар ва устун тагликлари, уларга оид барча буюмлар, ҳовлининг атрофидаги устунлар ва устун тагликлари, қозиқ ва арқонлари, уларга тегишли ҳамма буюмлар. Чодирдаги бу ашёлар билан боғлиқ бўлган барча хизмат Марори уруғи зиммасида эди.

38 Мусо, Ҳорун ва унинг ўғиллари ўз чодирларини шарқ томонда — Муқаддас чодирнинг олдида* ўрнатишлари керак эди. Улар Исроил халқининг вакиллари сифатида Муқаддас чодирдаги хизмат учун масъул эдилар. Улардан бошқа биронтаси Чодирга яқин келса, ўша одамнинг жазоси ўлим эди.

39 Мусо ва Ҳорун, Эгамизнинг амрига кўра, Леви қабиласининг бир ойлик ўғил болаларидан тортиб, катта ёшдаги эркакларигача ҳаммани уруғлари бўйича санаб чиққанларида, уларнинг умумий сони 22.000 та чиқди.

Леви қабиласи тўнғич ўғилларнинг ўрнини босади

40 Эгамиз шундан кейин Мусога яна айтди: “Исроил халқининг бир ойлик ва ундан юқори ёшдаги ҳамма тўнғич ўғилларини санаб чиқ. Уларнинг исмларини рўйхат қилиб ёз. 41 Исроил халқининг ҳамма тўнғич ўғиллари ўрнига Мен Леви қабиласини қабул қиламан. Исроил халқининг чорвасида биринчи туғилган ҳайвонлари ўрнига эса левиларнинг чорвасини оламан. Мен Эгангизман.”

42 Мусо Эгамизнинг амрини бажарди. Исроил халқининг ҳамма тўнғич ўғилларини санаб чиқди. 43 Бир ойлик ва ундан юқори ёшдаги ҳамма тўнғич ўғил бирма–бир саналганда, 22.273 та чиқди.

44 Мусога Эгамиз айтди: 45 “Исроил халқининг ҳамма тўнғич ўғиллари ўрнига левиларни Менга бағишла, Исроил халқининг чорваси ўрнига эса левиларнинг чорвасини Менга бағишла. Левилар Меники бўлади. Мен Эгангизман.
46 Исроилнинг тўнғич ўғиллари левилардан 273 та ортиқ. Исроил халқи ана шу ортиқчаси эвазига товон тўлаши керак. 47 Ҳар бир ортиқча одам эвазига беш бўлакдан кумуш ол. Ҳар бир кумуш бўлакнинг оғирлиги икки ярим мисқол бўлсин*. 48 Ўша кумушни Ҳорун ва унинг ўғилларига бер.”

49-50 Мусо ортиқ чиққан Исроил тўнғич ўғилларидан 1365 та кумуш бўлакни йиғиб олди*. 51 Мусо Эгамизнинг амрига кўра, йиғиб олган товон пулини Ҳорун ва унинг ўғилларига берди.

4–БОБ

Леви қабиласидан бўлган Қоҳот уруғининг бурчлари

1 Мусо билан Ҳорунга Эгамиз яна деди: 2 “Энди Леви қабиласидан бўлган Қоҳот авлодини уруғи ва хонадони бўйича санаб чиқ. 3 Учрашув чодирида хизмат қилишга яроқли, ўттиз ёшдан эллик ёшгача бўлганларни сана. 4 Қоҳот уруғининг хизмати Учрашув чодирининг энг муқаддас ашёлари билан боғлиқ бўлади.

5 Йўлга чиққанингизда, Ҳорун ва унинг ўғиллари Чодирга кириб, Аҳд сандиғини тўсиб турадиган ички пардани ечишсин. Ўша парда билан Сандиқни* ёпишсин. 6 Сўнг унинг устидан юмшоқ теридан* қилинган ёпинчиқ ташлашсин. Ёпинчиқ устидан эса сидирға кўк чойшаб ташлашсин. Сўнг ходаларни жой–жойига ўрнатишсин. 7 Кейин муқаддас нонлар* қўйиладиган хонтахтага кўк чойшаб тўшашсин. Хонтахтага лаган, пиёла, шароб назр қилиш учун коса ва кўзалар қўйишсин. Хонтахта устида муқаддас нонлар доимо турсин. 8 Бу нарсаларнинг устидан қирмизи чойшаб ташлашсин. Кейин юмшоқ теридан қилинган ёпинчиқ билан ёпиб, ходаларни жой–жойига ўрнатишсин. 9 Сўнг кўк чойшаб билан чироқпояни, унинг мойчироқларини, қисқичларини, патнисларини

ва зайтун мойи солинган ҳамма идишларини ёпиб қўйишсин. 10 Сўнг буларнинг
устидан юмшоқ теридан қилинган ёпинчиқ билан ёпиб, замбилга солишсин.
11 Олтин қурбонгоҳ устига кўк чойшаб ташлаб, унинг устини юмшоқ теридан
қилинган ёпинчиқ билан ёпишсин ва ходаларни жой–жойига ўрнатишсин.
12 Кейин Муқаддас хонада ишлатиладиган буюмларни олиб, кўк чойшаб устига
қўйишсин. Сўнг устини юмшоқ теридан қилинган ёпинчиқ билан ёпиб, замбилга
солишсин. 13 Бронза қурбонгоҳни кулдан тозалаб, уни сафсар рангдаги чойшаб
билан ёпишсин. 14 Сўнг қурбонгоҳда ишлатилган ҳамма буюмларни — оловкурак,
санчқи, курак, тоғорачаларни қурбонгоҳ устига қўйишсин. Юмшоқ теридан
қилинган ёпинчиқ билан қурбонгоҳни ёпиб, ходаларни жой–жойига ўрнатишсин.
15 Ҳорун ва унинг ўғиллари Муқаддас чодирдаги жиҳозларни ва буюмларни ёпиб
бўлганларидан кейин, йўлга чиқиш вақти бўлганда, Қоҳот уруғи бу ашёларни
кўтариб борсин. Лекин улар бу муқаддас ашёларга қўл теккизмасин, акс ҳолда,
улар ўладилар. Демак, Қоҳот уруғи Учрашув чодиридаги ашёларни кўтариб
боради.

16 Руҳоний Ҳорун ўғли Элазар чироқпоя учун зайтун мойи, хушбўй тутатқи,
кундалик дон назри ва муқаддас қиладиган мойга* масъул бўлади. Хуллас, бутун
Муқаддас чодир ва у ердаги ҳамма нарсалар, муқаддас жиҳозлар ва буюмлар
Элазар назорати остида бўлади."

17 Эгамиз Мусо билан Ҳорунга яна деди: 18 "Леви қабиласи орасидан Қоҳот
уруғининг қирилиб кетишига йўл қўйманглар. 19-20 Қоҳот уруғидан бўлган ҳар
бир одамга хизмат вақтида нима қилишини ва нимани кўтариб боришини Ҳорун
ва унинг ўғиллари айтишсин. Муқаддас ашёларга бир лаҳза бўлса ҳам қарагани
Қоҳот уруғи Чодирга кирмаслиги керак. Шунда Қоҳот уруғидаги эркаклар энг
муқаддас ашёларга яқин келганларида, ўлмай тирик қолишади."

Леви қабиласидан бўлган Гершон уруғининг бурчлари

21 Сўнг Мусога Эгамиз шундай деди: 22 "Гершон авлодини ҳам уруғи ва
хонадони бўйича санаб чиқ. 23 Учрашув чодирида хизмат қилишга яроқли, ўттиз
ёшдан эллик ёшгача бўлганларини сана. 24 Гершон уруғининг хизмати ва
кўтарадиган юклари қуйидагилардан иборат бўлади:

25 Улар Муқаддас чодирнинг ички қаватини, Чодирнинг қопламаси ва юмшоқ
теридан қилинган ташқи қопламани, Чодирга кираверишдаги пардани, 26 Чодир
билан қурбонгоҳ атрофини тўсиб турадиган пардаларни, ҳовлига кираверишдаги
пардани ва унга тегишли арқонлар ва ҳамма буюмларни кўтариб боришлари
лозим.

Бу ашёлар билан алоқадор ишларнинг ҳаммасини Гершон уруғи бажарсин.
27 Ҳорун ва унинг ўғиллари Гершон уруғининг хизматини, ташийдиган юкларини
ва бажарадиган вазифаларини тўлиқ назорат қилиб туришсин. Гершон уруғи
уларнинг айтганларини қилиб, айтган юкларни кўтаришсин.

28 Гершон уруғининг Учрашув чодирида қиладиган хизмати мана шулардан
иборатдир. Улар руҳоний Ҳорун ўғли Итамарнинг назорати остида хизмат
қилишади.

Леви қабиласидан бўлган Марори уруғининг бурчлари

29 Энди Марори авлодини уруғи ва хонадони бўйича санаб чиқ. 30 Учрашув
чодирида хизмат қилишга яроқли ўттиз ёшдан эллик ёшгача бўлганларини сана.
31 Уларнинг Учрашув чодиридаги вазифаси қуйидаги ашёларни кўтариб юришдан
иборат бўлади: Чодирнинг ромларини, тамбаларини, устунлар ва устун
тагликларини, 32 ҳовлининг атрофидаги устунлар ва устун тагликларини, қозиқ

ва арқонларини, уларга тегишли ҳамма буюмларни. Қайси одам қайси нарсани кўтариб боришини аниқ белгиланглар. 33 Марори уруғининг Учрашув чодирида қиладиган ишлари мана шулардан иборатдир. Улар руҳоний Ҳорун ўғли Итамарнинг назорати остида хизмат қилишади.”

Леви қабиласи санаб чиқилади

34 Мусо, Ҳорун ва жамоанинг йўлбошчилари Қоҳот авлодини уруғи ва
хонадони бўйича санаб чиқишди. 35 Учрашув чодирида хизмат қилишга яроқли,
ўттиз ёшдан эллик ёшгача бўлган эркакларнинг сони 36 2750 та чиқди. 37 Қоҳот
уруғининг Учрашув чодирида хизмат қиладиганлари ана шулар эди. Мусо орқали
Эгамиз берган амрга кўра, Мусо билан Ҳорун уларни санади.
38 Гершон авлоди ҳам уруғи ва хонадони бўйича санаб чиқилди. 39 Учрашув
чодирида хизмат қилишга яроқли ўттиз ёшдан эллик ёшгача эркакларнинг сони
40 2630 та чиқди. 41 Гершон уруғининг Учрашув чодирида хизмат қиладиганлари
ана шулар эди. Эгамизнинг амрига кўра, Мусо билан Ҳорун уларни санади.
42 Марори авлоди ҳам уруғи ва хонадони бўйича санаб чиқилди. 43 Учрашув
чодирида хизмат қилишга яроқли ўттиз ёшдан эллик ёшгача эркакларнинг сони
44 3200 та чиқди. 45 Марори уруғи ана шулар эди. Мусо орқали Эгамиз берган
амрга кўра, Мусо билан Ҳорун уларни санади.
46 Шундай қилиб, Мусо, Ҳорун ва Исроил йўлбошчилари Леви қабиласини
уруғи ва хонадони бўйича санаб чиқишди. 47 Учрашув чодирида хизмат қилишга
ва Чодир ашёларини кўтаришга яроқли, ўттиз ёшдан эллик ёшгача бўлган
эркакларнинг 48 умумий сони 8580 та чиқди. 49 Улар Мусо орқали Эгамиз берган
амрга кўра, ҳар бир одамга қиладиган ишларини ва кўтариб борадиган
буюмларини тақсимлаб беришди. Мусога Эгамиз амр этгандай, ҳамма одам
рўйхатга олинди.

5–БОБ

Қароргоҳни булғайдиган одамлар

1 Мусога Эгамиз айтди: 2 “Исроил халқига буюр. Улар тери касаллигига*
чалинганларни, жинсий аъзосидан ажралма чиққанларни, мурдаларга тегиб
ҳаром бўлганларни қароргоҳдан чиқариб юборишсин. 3 Эркагини ҳам, аёлини ҳам
қароргоҳдан ташқарига чиқариб юборишсин. Уларнинг дастидан қароргоҳ ҳаром
бўлмасин. Ахир, Мен халқим орасида яшайман.”
4 Исроил халқи Эгамизнинг Мусога берган амрини адо этиб, ўшанақа
одамларни қароргоҳдан чиқариб юборди.

Товон тўлаш ҳақида қонун

5-6 Мусо орқали Исроил халқига Эгамиз қуйидаги қонунларни берди: Эгамизга
хиёнат қилган, биродарига фириб берган ҳар қандай эркак ёки аёл айбдор
ҳисоблансин. 7 Бундай одам қилган гуноҳини тан олсин. Жабр чеккан томонга
келтирган зарари учун товон тўласин, бунинг устига, товоннинг бешдан бир
қисмини ҳам қўшиб берсин. 8 Борди–ю, жабр чеккан одам вафот этган бўлса ва
унинг яқин қариндоши бўлмаса, зарарни қоплаш учун тўланадиган товон
Эгамизга бағишланиб, руҳонийга берилсин. Айбдор томон товон билан бирга бир
қўчқорни олиб келсин. Руҳоний қўчқорни қурбонлик қилиб, айбдор томонни
гуноҳдан покласин.
9 Исроил халқи Эгамизга атаб, руҳонийга олиб келган ҳар қандай эҳсон
руҳонийники ҳисоблансин. 10 Руҳоний қабул қилиб олган ҳамма эҳсонлар

руҳонийнинг ўзига тегишли бўлсин.

Рашк қилган эрлар масаласи

11-12 Мусо орқали Исроил халқига Эгамиз қуйидаги қонунларни берди: агар
биронтасининг хотини ёмон йўлга кириб, эрига хиёнат қилса, 13 бегона эркак
билан ётиб ўзини булғаса–ю, уни ҳеч ким тутиб олмаса, бунга бирор гувоҳ
бўлмагани учун эрининг бундан хабари бўлмаса, 14 кейинчалик эри хотинидан
шубҳалана бошласа, хотини ўзини булғамаган тақдирда ҳам, эри ундан
шубҳаланиб, рашк қилса, 15 эр хотинини руҳоний ҳузурига етаклаб борсин.
Хотини учун тўрт коса* арпа унини назр қилиб олиб борсин. Арпа унига зайтун
мойи ёки хушбўй тутатқи қўшилмасин. Бу назр аёл айбдор ёки айбдор
эмаслигини билиш учун келтирилаётган рашк назридир.
16 Руҳоний аёлни етаклаб, Эгамиз ҳузурига олиб кирсин. 17 Сўнг муқаддас
сувни сопол идишга қуйсин–да, Муқаддас чодирнинг ичидаги ердан тупроқ олиб,
сувга қўшсин. 18 Аёлни руҳоний Эгамиз ҳузурига олиб киргандан сўнг, аёлнинг
сочини ёйсин. Унинг қўлига рашк учун келтириладиган дон назрини тутқизиб
қўйсин. Руҳонийнинг ўзи эса қўлида лаънат келтирадиган аччиқ сувни ушлаб
турсин. 19 Руҳоний аёлга қасам ичтириб, унга шундай сўзларни айтсин: “Агар сен
бегона эркак билан ётмаган бўлсанг, булғанмаган, эрингга хиёнат қилмаган
бўлсанг, мана шу лаънат келтирадиган аччиқ сув сенга ҳеч қандай зарар
етказмасин. 20 Агар эрингга хиёнат қилиб, булғанган бўлсанг, эрингдан бошқа
одам билан ётган бўлсанг, 21 одамлар кимнидир лаънатлаганда, Эгам сенинг
номингни лаънатга қўшиб айтадиган қилсин. Эгам сени бола туға олмайдиган
қилиб қўйсин*. 22 Ўша лаънат келтирадиган сув ичингга кирганда, сени туға
олмайдиган қилиб қўйсин.”
Шунда аёл: “Омин, омин”, деб айтсин.
23 Сўнг руҳоний лаънат сўзларини қоғозга ёзиб, уни аччиқ сувда ювсин. 24 Токи
аёл ўша сувни ичганда, лаънат унинг танасига кириб азоб берсин. 25 Руҳоний
аёлнинг қўлидан рашк учун келтирилган дон назрини олиб, бу назрни Эгамизга
бағишлаганини кўрсатиш учун юқорига кўтарсин, сўнг қурбонгоҳга олиб борсин.
26 Дон назрининг бир ҳовучини қурбонгоҳ устида куйдирсин. У бундай қилганда
ҳамма ун Худога тегишли эканини билдиради. Кейин аёлга аччиқ сувдан ичирсин.
27 Агар аёл эрига хиёнат қилиб булғанган бўлса, лаънат келтирувчи аччиқ сув
унинг ичига киргач, қаттиқ азоб беради. Аёл бола туға олмайдиган бўлиб қолади.
Ўша аёл ўз халқи орасида лаънати бўлади. 28 Агар аёл булғанмаган, пок бўлса, ҳеч
қандай зарар кўрмайди, бундан кейин ҳам фарзанд кўришга қодир бўлади.
29 Рашк ҳақидаги қонун ана шулардан иборатдир.
Хуллас, хотин эрига вафо қилмай, ёмон йўлга кириб булғанганда 30 ёки эри
хотинини рашк қилиб, ундан шубҳалана бошлаганда, эр хотинини Эгамизнинг
ҳузурига бошлаб келсин. Руҳоний эса юқоридаги қонунга биноан иш тутсин.
31 Ўшанда эр гуноҳдан фориғ бўлади, аёл эса қилган гуноҳи учун жазосини
тортади.

6–БОБ

Ўзини Эгамизга назр қилганлар учун қоида

1-2 Мусо орқали Исроил халқига Эгамиз қуйидаги қонунларни берди: агар
эркак ёки аёл онт ичиб, ўзини маълум бир муддатга Эгамизга назр сифатида
бағишлашга* қарор қилган бўлса, 3 у шароб ва ўткир ичимликлардан ўзини
тийсин. Узум сиркасини ҳам, бошқа ўткир ичимликларни ҳам истеъмол

қилмасин. Узумдан тайёрланган бирор ичимликни зинҳор ичмасин. Майизни ва
узумни ҳеч оғзига олмасин. 4 У ўзини назр қилган давр мобайнида узумдан
тайёрланган бирор нарсани истеъмол қилмасин, ҳатто узумнинг дони ва
пўстлоғини ҳам оғзига олмасин. 5 Ўзи онт ичиб, белгилаган давр мобайнида
сочига ҳам, соқолига ҳам устара теккизмасин. У Эгамизга бағишланганлиги учун
назр қилинган кунлари тугагунга қадар сочларини ўстириб юрсин. 6-7 Соч ўша
одамнинг Худога бағишланганлиги белгисидир. Шунинг учун ўша одам Эгамизга
назр қилинган кунлари давомида мурдага яқинлашмасин. Отаси, онаси, ака–укаси
ёки опа–сингилларидан бирортаси вафот этиб қолганда ҳам, у мурда ёнига бориб
ўзини булғамасин. 8 Назр қилинган кунлари давомида у Эгамизга
бағишлангандир. 9 Борди–ю, унинг олдида кимдир тўсатдан вафот этиб қолса,
назр қилинган одамнинг боши ҳаром бўлган ҳисобланади. Шунинг учун назр
қилинган одам етти кундан кейин сочини олдирсин. Шунда у яна пок бўлади.
10 Саккизинчи куни эса Учрашув чодири кираверишига иккита каптар ёки иккита
мусичани олиб келиб руҳонийга берсин. 11 Руҳоний бу қушлардан биттасини
гуноҳ қурбонлиги қилади, иккинчисини эса куйдириладиган қурбонлик қилади.
Шундай қилиб, мурда туфайли ҳаром бўлган ўша одамни гуноҳидан поклайди.
Назр қилинган одам ўша куниёқ ўзини қайтадан Эгамизга бағишлаши керак.
12 У булғанганлиги учун олдинги кунлар ҳисобга кирмайди. У Эгамизга
бағишланган назр кунларини бошқатдан бошлаши лозим. Бунинг учун у бир
ёшли қўчқор қўзини айб қурбонлиги* қилсин.
13 Назр қилинганлар учун қонун қуйидагичадир: назр қилинган одам Эгамизга
бағишлаган кунлари тугаганда, Учрашув чодири кираверишига келсин. 14 У
Эгамизга атаб қуйидаги қурбонлигу назрларни келтирсин: куйдириладиган
қурбонлик учун бир ёшли нуқсонсиз қўчқор қўзини, гуноҳ қурбонлиги учун бир
ёшли нуқсонсиз совлиқ қўзини, тинчлик қурбонлиги учун нуқсонсиз қўчқорни,
15 уларга қўшиб қилинадиган дон билан шароб назрини, бир сават
хамиртурушсиз нонни — зайтун мойи аралаштирилган сифатли ундан
тайёрланган нонлар ва зайтун мойи суртилган чалпакларни. 16 Руҳоний
буларнинг ҳаммасини Эгамизга тақдим қилиб, гуноҳ қурбонлиги ва
куйдириладиган қурбонлик қилсин. 17 Сўнг қўчқорни дон ва шароб назри билан
бирга Эгамизга тинчлик қурбонлиги қилсин. Шунингдек, саватдаги
хамиртурушсиз нонни ҳам келтирсин. 18 Назр қилган одам Учрашув чодирига
кираверишда назр қилинган сочини олдирсин. Кейин сочларини йиғиштириб
олиб, тинчлик қурбонлиги куйдирилаётган оловга ташласин. 19 У сочини олдириб
бўлгандан сўнг, руҳоний қўчқорнинг пиширилган елкасини, саватдан бир дона
хамиртурушсиз нонни, битта чалпакни олиб, назр қилинган одамнинг қўлига
тутқизсин. 20 Кейин руҳоний ўша нарсаларни Эгамизга бағишлаганини кўрсатиб,
юқорига кўтарсин. Бу нарсалар руҳонийнинг муқаддас улуши бўлади. Булар —
руҳоний юқорига кўтариши учун бериладиган қўчқор тўши ва назр қилинган
қўчқор сонидан ташқари берилади. Шундан сўнг назр қилинган одам шароб
ичиши мумкин. 21 Назр қилинганлар учун қонун шундан иборатдир. Агар назр
қилинган одам Эгамизга булардан ташқари яна бирон нарсани ваъда қилган
бўлса, берган ваъдаси устидан чиқсин.

Руҳонийларнинг дуоси

22 Эгамиз Мусога деди:
23 — Ҳорун ва унинг ўғиллари Исроил халқини дуо қилганларида, шундай деб
айтишлари керак:

24 “Эгам сенга барака берсин,
Сени Ўз паноҳида асрасин!
25 Эгам сенга очиқ юз билан боқсин,
Сенга илтифот қилсин.
26 Эгам сенга назарини солсин,
Сенга тинчлик ато этсин!”

27 Ҳорун ва унинг ўғиллари Исроил халқини Менинг номим билан дуо қилишсин*.
Шунда Мен Исроил халқига барака бераман.

7–БОБ

Йўлбошчиларнинг назрлари

1 Мусо Муқаддас чодирни ўрнатиб бўлган куни* Чодирга мой суртиб, уни
муқаддас қилди. Сўнг Чодирнинг барча ашёларига, қурбонгоҳга ва унинг барча
буюмларига мой суртиб чиқиб, муқаддас қилди.
2 Шундан кейин халқни рўйхатга олиш учун масъул бўлган йўлбошчилар* —
Исроил қабилаларининг уруғбошилари ўз назрларини келтиришди. 3 Уларнинг
Эгамизга келтирган назрлари олтита соябонли арава ва ўн иккита ҳўкиздан
иборат эди. Ҳар бир йўлбошчи биттадан ҳўкиз ва ҳар иккита йўлбошчи биттадан
арава олиб келган эди. Йўлбошчилар бу назрларини Эгамизга Муқаддас чодир
олдида тақдим қилишди. 4 Шунда Эгамиз Мусога айтди: 5 “Улар олиб келган
нарсаларни қабул қилиб ол. Бу нарсалардан Учрашув чодирида хизмат қилишда
фойдаланинглар. Левилар нима иш қилишларига қараб, бу нарсаларни уларга
тақсимлаб бер.”
6 Шундай қилиб, Мусо араваларни ва ҳўкизларни левиларга тақсимлаб берди.
7 Гершон уруғининг қиладиган хизмати эвазига иккита арава ва тўртта ҳўкизни
берди. 8 Марори уруғининг қиладиган хизмати эвазига эса тўртта арава ва
саккизта ҳўкизни берди. Марори ва Гершон уруғлари руҳоний Ҳоруннинг ўғли
Итамар назорати остида Чодирда хизмат қилишарди. 9 Қоҳот уруғига эса Мусо ҳеч
нарса бермади, чунки улар Чодирнинг муқаддас ашёлари учун масъул эдилар ва
бу ашёларни елкада кўтариб боришлари лозим эди.
10 Мусо қурбонгоҳга мой суртиб, уни муқаддас қилгандан кейин Исроил
йўлбошчилари қурбонгоҳнинг бағишланишига ҳам ўз назрларини олиб келишди.
Улар назрларини қурбонгоҳ олдига қўйишди. 11 Эгамиз Мусога шундай деган эди:
“Йўлбошчилар қурбонгоҳни бағишлаш маросимига олиб келган бу назрларни ҳар
куни биттадан тақдим қилишсин.”

12 Биринчи куни Яҳудо қабиласидан Оминадавнинг ўғли Нахшўн назрларини
тақдим қилди.

13 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача*. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 14 Булардан ташқари, Нахшўн тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол* келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 15 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 16 битта такани гуноҳ қурбонлиги* қилди, 17 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Оминадав ўғли Нахшўннинг назрлари ана

шулардан иборат эди.

18 Иккинчи куни Иссахор қабиласининг йўлбошчиси Зувор ўғли Натанил
назрларини тақдим қилди.

19 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 20 Булардан ташқари, Натанил тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 21 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 22 битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, 23 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Зувор ўғли Натанилнинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

24 Учинчи куни Забулун қабиласининг йўлбошчиси Халон ўғли Элиёб назрларини
тақдим қилди.

25 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 26 Булардан ташқари, Элиёб тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 27 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 28 битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, 29 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Халон ўғли Элиёбнинг назрлари ана шулардан
иборат эди.

30 Тўртинчи куни Рубен қабиласининг йўлбошчиси Шадувор ўғли Элизур
назрларини тақдим қилди.

31 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 32 Булардан ташқари, Элизур тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 33 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 34 битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, 35 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Шадувор ўғли Элизурнинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

36 Бешинчи куни Шимўн қабиласининг йўлбошчиси Зуришадай ўғли Шалумиёл
назрларини тақдим қилди.

37 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 38 Булардан ташқари, Шалумиёл тутатқи

тўлдирилган, оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам
берди. [39] У битта буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини
куйдириладиган қурбонлик қилди, [40] битта такани гуноҳ қурбонлиги
қилди, [41] иккита ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли
қўчқор қўзини тинчлик қурбонлиги қилди. Зуришадай ўғли
Шалумиёлнинг назрлари ана шулардан иборат эди.

[42] Олтинчи куни Гад қабиласининг йўлбошчиси Дувел ўғли Элиасаф назрларини тақдим қилди.

[43] У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. [44] Булардан ташқари, Элиасаф тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. [45] У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, [46] битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, [47] иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Дувел ўғли Элиасафнинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

[48] Еттинчи куни Эфрайим қабиласининг йўлбошчиси Омиҳуд ўғли Элишама назрларини тақдим қилди.

[49] У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. [50] Булардан ташқари, Элишама тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. [51] У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, [52] битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, [53] иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Омиҳуд ўғли Элишаманинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

[54] Саккизинчи куни Манаше қабиласининг йўлбошчиси Падозур ўғли Гамалиёл назрларини тақдим қилди.

[55] У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. [56] Булардан ташқари, Гамалиёл тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. [57] У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, [58] битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, [59] иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Падозур ўғли Гамалиёлнинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

[60] Тўққизинчи куни Бенямин қабиласининг йўлбошчиси Гидўнах ўғли Авидон назрларини тақдим қилди.

61 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 62 Булардан ташқари, Авидон тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 63 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 64 битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, 65 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Гидўнах ўғли Авидоннинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

66 Ўнинчи куни Дан қабиласининг йўлбошчиси Омишадайнинг ўғли Охазар
назрларини тақдим қилди.

67 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 68 Булардан ташқари, Охазар тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 69 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 70 битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, 71 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Омишадай ўғли Охазарнинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

72 Ўн биринчи куни Ошер қабиласининг йўлбошчиси Охрон ўғли Пахиёл
назрларини тақдим қилди.

73 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 74 Булардан ташқари, Пахиёл тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 75 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 76 битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, 77 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини
тинчлик қурбонлиги қилди. Охрон ўғли Пахиёлнинг назрлари ана
шулардан иборат эди.

78 Ўн иккинчи куни Нафтали қабиласининг йўлбошчиси Энан ўғли Охир
назрларини тақдим қилди.

79 У қуйидаги назрларни берди: оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш
лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача. Иккаласи ҳам
дон назри учун сифатли ун билан тўлдирилиб, унга зайтун мойи
аралаштирилган эди. 80 Булардан ташқари, Охир тутатқи тўлдирилган,
оғирлиги 25 мисқол келадиган битта олтин пиёлани ҳам берди. 81 У битта
буқани, битта қўчқорни, битта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган
қурбонлик қилди, 82 битта такани гуноҳ қурбонлиги қилди, 83 иккита
ҳўкизни, бешта қўчқорни, бешта такани, бешта бир ёшли қўчқор қўзини

тинчлик қурбонлиги қилди. Энан ўғли Охирнинг назрлари ана шулардан иборат эди.

84 Шундай қилиб, Мусо қурбонгоҳга мой суртиб, уни муқаддас қилгандан кейин, Исроил йўлбошчилари қурбонгоҳнинг бағишланишига олиб келган назрларнинг жами қуйидагича бўлди: ўн иккита кумуш лаган, ўн иккита кумуш тоғорача, ўн иккита олтин пиёла. 85 Ҳар бир кумуш лаганнинг оғирлиги 330 мисқол, ҳар бир кумуш тоғорача 180 мисқол эди*. Ҳаммаси бўлиб тақдим қилинган кумуш буюмларнинг оғирлиги икки пудга яқин эди*. 86 Тутатқи тўлдирилган ҳар бир олтин пиёланинг оғирлиги 25 мисқол* эди. Бу ўн иккита олтин буюмнинг умумий оғирлиги 300 мисқол* чиқди. 87 Ўн иккита буқа, ўн иккита қўчқор, ўн иккита бир ёшли қўчқор қўзи куйдириладиган қурбонлик қилинди, қурбонликка қўшиб қилинадиган дон назри ҳам келтирилди. Ўн иккита така гуноҳ қурбонлиги қилинди. 88 Йигирма тўртта ҳўкиз, олтмишта қўчқор, олтмишта така, олтмишта бир ёшли қўчқор қўзи тинчлик қурбонлиги қилинди. Мусо қурбонгоҳга мой суртиб, уни муқаддас қилгандан кейин, қурбонгоҳнинг бағишланишига ана шу назрлар тақдим қилинган эди.

89 Мусо Эгамиз билан гаплашиш учун Учрашув чодирига кирганда, Эгамизнинг овозини эшитди. Овоз Аҳд сандиғининг* қопқоғи устидаги икки каруб* орасидан келаётган эди.

8–БОБ

Ҳорун мойчироқларни ўрнатади

1 Эгамиз яна Мусога деди: 2 “Ҳорунга айт, у еттала мойчироқни чироқпояга ўрнатганда, мойчироқларнинг нури чироқпоянинг олд томонини ёритадиган қилиб ўрнатсин.”

3 Эгамизнинг Мусо орқали берган бу амрини Ҳорун бажарди. У еттита мойчироқни чироқпоянинг олд томонини ёритадиган қилиб ўрнатди. 4 Чироқпоя, Эгамиз Мусога кўрсатган намуна бўйича*, таглигидан тортиб, гулларигача олтиндан зарб уриб ясалган эди.

Левилар покланиб Худога бағишланади

5 Эгамиз Мусога яна айтди: 6 “Исроил халқи орасидан левиларни ажратиб олиб, қуйидаги йўл билан уларни покла*: 7 левиларга гуноҳдан поклайдиган сувни сеп. Улар устара билан бутун баданларини қириб тозалашсин, кийимларини ювишсин. Шундан сўнг улар пок бўлишади. 8 Сўнгра улар буқани ва буқага қўшиб назр қилинадиган зайтун мойи аралаштирилган сифатли унни олиб келишсин. Бундан ташқари, бошқа бир буқани гуноҳ қурбонлиги қилиш учун олиб келишсин. 9 Сўнг бутун жамоани тўпла, левиларни Учрашув чодири олдига олиб кел. 10 Левиларни Мен, Эгангизнинг ҳузурига олиб келганингда, Исроил халқи левиларга қўлларини қўйсин. 11 Ҳорун левиларни Исроил халқидан махсус назр сифатида Мен, Эгангизга бағишласин, токи левилар Менга хизмат қилишсин. 12 Левилар қўлларини буқаларнинг бошига қўйишсин. Ҳорун бир буқани гуноҳ қурбонлиги, иккинчи буқани эса куйдириладиган қурбонлик қилиб, левиларни гуноҳлардан покласин. 13 Кейин левиларни Ҳорун ва унинг ўғиллари рўпарасига турғизиб қўй. Левиларни махсус назр сифатида Мен, Эгангизга бағишла.

14 Шундай қилиб, левиларни Исроил халқи орасидан ажратиб ол. Левилар Меники бўлади. 15 Левиларни поклаб, махсус назр сифатида Менга бағишлаганингдан сўнг, улар хизмат қилиш учун Учрашув чодирига кира

оладилар. 16 Мен левиларни Исроил халқи орасидан Ўзим учун олганман. Уларни
Ўзим учун Исроил аёлларидан туғилган барча тўнғич ўғиллари ўрнига олганман.
17 Чунки Исроил халқининг ҳамма тўнғичлари — одамнинг тўнғич ўғлидан
тортиб, молларнинг биринчи эркак боласигача Меникидир. Мисрда ҳамма
тўнғичларни нобуд қилган куним Мен Исроил халқининг тўнғич ўғилларини
Ўзим учун ажратиб олганман. 18 Исроил халқи орасидаги ҳамма тўнғич ўғиллар
ўрнига эса левиларни олганман. 19 Левиларни Исроил халқи орасидан ажратиб
олиб, Ҳорун ва унинг ўғиллари ихтиёрига топширганман. Левилар Исроил халқи
номидан Учрашув чодирида хизмат қиладилар. Исроил халқи Чодирга яқин келиб
қолганда, юз берадиган кулфатдан левилар уларни ҳимоя қилади*."
20 Мусо, Ҳорун ва бутун Исроил жамоаси левиларни Эгамизга бағишладилар.
Хуллас, Эгамизнинг левилар ҳақида Мусога берган амрларини бажардилар.
21 Левилар покланишди, кийимларини ювишди. Ҳорун уларни махсус назр
сифатида Эгамизга бағишлаб, поклаш маросимини ўтказди. 22 Шундан кейин
левилар Ҳорун ва унинг ўғиллари назорати остида Учрашув чодирида хизмат адо
этиш учун у ерга кирдилар. Шундай қилиб, Эгамиз левилар ҳақида Мусога қандай
амр этган бўлса, Исроил халқи унинг амрларини адо этди.
23 Эгамиз яна Мусога айтди: 24 "Левилар қуйидаги қоидага риоя қилишсин:
йигирма беш ва ундан юқори ёшдаги левилар Учрашув чодиридаги хизматини
бошлашсин. 25 Эллик ёшда эса хизматидан бўшаб, бошқа хизмат қилишмасин.
26 Хизматидан бўшаган левилар Учрашув чодирида хизмат қилаётган
биродарларига ёрдам беришлари мумкин. Лекин бирор иш учун масъулиятни ўз
бўйинларига олишмасин. Левиларнинг мажбуриятларини шу тариқа кўрсатиб
бер."

9–БОБ

Фисиҳ зиёфати

1 Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин, иккинчи йилнинг биринчи ойида*
Эгамиз Синай саҳросида Мусога деди: 2 "Исроил халқига айт, улар Фисиҳ
зиёфатини белгиланган вақтда, 3 шу ойнинг ўн тўртинчи куни кечқурун
нишонлашсин. Байрамнинг ҳамма қонун–қоидаларига риоя қилишсин."
4 Шундай қилиб, Мусо Исроил халқига: "Фисиҳ зиёфатини нишонланглар", деб
буйруқ берди. 5 Исроил халқи биринчи ойнинг ўн тўртинчи куни кечқурун Синай
саҳросида Фисиҳ зиёфатини нишонлади. Улар ҳамма нарсани Эгамизнинг Мусога
берган амри бўйича қилишди. 6 Бироқ одам мурдасига тегиб ҳаром бўлганлар ўша
куни Фисиҳ зиёфатида иштирок этиша олмади. Улар ўша куниёқ Мусо билан
Ҳоруннинг ҳузурига келиб шундай дейишди:
7 — Биз мурдага текканимиз учун ҳароммиз. Лекин нима учун биз четда
қолишимиз керак? Биз ҳам, Исроил халқи қатори, белгиланган вақтда Эгамизга
қурбонлик келтирмоқчимиз!
8 Мусо уларга:
— Кутиб туринглар–чи, Эгамиз сизлар тўғрингизда қандай амр берар экан,
эшитай, — деди.
9 Мусога Эгамиз шундай деди:
10 — Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: "Бирортангиз ёки
авлодларингиздан кимдир мурдага тегиб ҳаром бўлса ёки сафарга кетган бўлса,
Эгамизга бағишланган Фисиҳ зиёфатини нишонлайверсин. 11 Бундай одамлар
байрамни иккинчи ойнинг* ўн тўртинчи куни кечқурун нишонлаб, қурбонлик*

гўштини хамиртурушсиз нон ва тахир ўтлар билан бирга ейишсин. 12 Эрталабгача
таомдан қолдиришмасин. Қурбонликнинг бирорта суягини синдиришмасин.
Фисиҳ зиёфатини ҳамма қонунларга мувофиқ нишонлашсин. 13 Лекин бironта
одам пок бўлиб, сафарда бўлмаса ва шунга қарамай, Фисиҳ зиёфатини
нишонлашдан бош тортса, белгиланган вақтда Эгамизга бағишлаб қурбонлик
қилмагани учун Исроил халқи орасидан йўқ қилинсин. Шундай қилиб, у ўз гуноҳи
учун жазосини тортади. 14 Орангизда яшаётган мусофир Эгамизга бағишланган
Фисиҳ зиёфатини нишонламоқчи бўлганда, ўша қонун–қоидаларга риоя қилиши
шарт. Ҳаммангиз учун — сизлар ва мусофирлар учун қонун битта бўлсин.”

Алангали булут

15 Муқаддас чодир ўрнатилган куни* Чодирни* булут қоплаб олди. Оқшомдан
эрталабгача Муқаддас чодир тепасидаги ўша булутнинг кўриниши алангага
ўхшар эди. 16 Ҳар доим шу аҳвол юз берарди: Чодирни кундузи булут қоплаб олар,
тунда эса булут алангага ўхшаб турарди. 17 Булут Чодир тепасидан кўтарилгач,
Исроил халқи йўлга чиқарди. Булут тўхтаган жойда эса Исроил халқи чодир
тикарди. 18 Исроил халқи Эгамизнинг амри билан йўлга чиқар ва Эгамизнинг
амри билан чодир тикарди. Булут Муқаддас чодир тепасида турган вақт
мобайнида, улар ҳам жойларидан силжимас эдилар. 19 Булут Чодир тепасида узоқ
кунлар туриб қолганда ҳам, Исроил халқи Эгамизнинг талабига риоя қилиб,
йўлга чиқмасди. 20 Баъзан эса булут Чодир тепасида озроқ кун турарди. Бундай
пайтда ҳам Исроил халқи Эгамизнинг амрига мувофиқ тўхтарди, Унинг амри
билан йўлга чиқарди. 21 Айрим вақтларда эса булут Чодир тепасида бор–йўғи бир
кечагина туриб, эрталаб кўтарилар эди. Шунда Исроил халқи ҳам йўлга чиқарди.
Булут кўтарилган пайти, кечаси бўладими, кундузи бўладими, Исроил халқи ҳам
йўлга чиқарди. 22 Баъзан булут икки кун, бир ой ёки узоқроқ вақт мобайнида
Чодир тепасида туриб қоларди. Шунда Исроил халқи ҳам қароргоҳда қолиб, йўлга
чиқмасди. Булут кўтарилгандан сўнг Исроил халқи йўлга чиқарди. 23 Улар
Эгамизнинг амри билан тўхтаб, Унинг амри билан йўлга чиқишарди. Мусо орқали
Эгамиз берган амрларига мувофиқ ҳамма талабларни бажаришар эди.

10–БОБ

Кумуш карнайлар

1 Эгамиз Мусога айтди: 2 “Сен иккита кумуш карнай ясаттир, карнайлар зарб
уриб ясалган бўлсин. Бу карнайлар жамоани йиғиш ҳамда йўлга чиқиш вақтини
эълон қилиш учун керак бўлади. 3 Карнайларнинг иккаласи чалинганда, бутун
жамоа сенинг олдингга — Учрашув чодири кираверишиолдига тўплансин.
4 Карнайнинг биттаси чалинганда эса, Исроил қабилаларининг йўлбошчилари
сенинг олдингга йиғилиб келишсин. 5 Карнай қисқа чалинганда, шарқдаги
қароргоҳда турган қабилалар йўлга чиқишсин. 6 Иккинчи марта қисқа чалинганда
эса, жанубдаги қароргоҳда турган қабилалар йўлга чиқишсин. Карнайнинг қисқа
садоси йўлга чиқиш кераклигини билдиради*. 7 Жамоани йиғиш лозим бўлганда
эса, карнайлар бошқача садо чиқариб чалинсин. 8 Карнайни Ҳоруннинг ўғиллари,
руҳонийлар чалишлари лозим. Бу амр сизлар учун ва сизларнинг авлодларингиз
учун доимий қонун–қоидадир.

9 Юртингизга бостириб келган душманга қарши жангга отланаётганингизда,
хатардан дарак бериб карнайларни чалинглар. Шунда Мен, Эгангиз Худо,
сизларга ёрдам бериб, сизларни душманларингиз қўлидан халос қиламан.
10 Шунингдек, хурсандчилик кунларингизда — белгиланган байрамларингизда ва

ой бошида қурбонликлар куйдирганингизда ҳамда тинчлик қурбонликларини келтирганингизда карнайларни чалинглар. Шунда Мен, Эгангиз Худо, сизларга ёрдам бераман. Зотан, Мен Эгангиз Худоман.”

Исроил халқи Синайдан кетади

11 Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин, иккинчи йилнинг иккинчи ойи*
йигирманчи кунида булут Муқаддас аҳд чодири* тепасидан кўтарилди. 12 Шундан
сўнг Исроил халқи Синай саҳросидан йўлга чиқди*. Ниҳоят, булут Порон чўлида*
тўхтади. 13 Улар биринчи марта Эгамизнинг Мусо орқали берган амрига кўра,
йўлга чиққан эдилар. 14 Биринчи бўлиб, Оминадав ўғли Нахшўн бошчилигида
Яҳудо қароргоҳида турган қабилалар ўз байроғи остида гуруҳ–гуруҳ бўлиб йўлга
чиқишди. 15 Иссахор қабиласига Зувор ўғли Натанил бошчилик қилар эди.
16 Забулун қабиласига Халон ўғли Элиёб бошчилик қилар эди.

17 Шундан кейин Муқаддас чодир йиғиштириб олинди. Гершон ва Марори
уруғлари Чодирни кўтариб, йўлга чиқишди. 18 Кейин Шадувор ўғли Элизур
бошчилигида Рубен қароргоҳида турган қабилалар ўз байроғи остида
гуруҳ–гуруҳ бўлиб йўлга чиқишди. 19 Шимўн қабиласига Зуришадай ўғли
Шалумиёл бошчилик қилар эди. 20 Гад қабиласига Дувел ўғли Элиасаф бошчилик
қилар эди. 21 Кейин Чодирнинг муқаддас ашёларини кўтарган Қоҳот уруғи йўлга
чиқди. Улар қароргоҳ қуриладиган жойга етиб боргунларича, Муқаддас чодир
ўрнатиб бўлиниши керак эди. 22 Кейин Омиҳуд ўғли Элишама бошчилигида
Эфрайим қароргоҳида турган қабилалар ўз байроғи остида гуруҳ–гуруҳ бўлиб
йўлга чиқишди. 23 Манаше қабиласига Падозур ўғли Гамалиёл бошчилик қиларди.
24 Бенямин қабиласига Гидўнах ўғли Авидон бошчилик қиларди.

25 Энг охирида Омишадай ўғли Охазар бошчилигида Дан қароргоҳидаги
қабилалар ўз байроғи остида гуруҳ–гуруҳ бўлиб йўлга чиқишди. Улар Исроил
қароргоҳларининг қоровуллар бўлинмасини ташкил қилишган эди. 26 Ошер
қабиласига Охрон ўғли Пахиёл бошчилик қиларди. 27 Нафтали қабиласига Энан
ўғли Охир бошчилик қиларди. 28 Исроил халқи доим шу тартибда гуруҳ–гуруҳ
бўлиб йўлга чиқар эди.

29 Мусо ўзининг қайнағаси, Мидиёнлик Ятро* ўғли Хўвовга деди:

— Эгамиз, сизларга бераман, деб ваъда қилган юртга биз кетяпмиз, сиз ҳам
биз билан юринг. Эгамиз бизга кўп яхшиликларни ваъда қилган, агар биз билан
борсангиз, биз ҳам сизга яхшилик қиламиз.

30 — Бормайман, — деди Хўвов, — мен ўз юртимга — ўзимнинг
қариндошларим олдига қайтиб кетаман.

31 — Илтимос, бизни ташлаб кетманг! — деди унга Мусо. — Саҳронинг қайси
жойига чодир тикиш кераклигини сиз биласиз. Сиз бизнинг кўзимиз бўласиз.
32 Агар биз билан бирга борсангиз*, Эгамиз бизга қилган ҳамма яхшиликларни сиз
билан баҳам кўрамиз.

33 Улар Эгамизнинг муқаддас тоғини* тарк этганларидан сўнг, уч кун йўл
юришди. Левилар чодир тикадиган жойини топиш учун Эгамизнинг Аҳд
сандиғини доимо олдинда кўтариб боришарди. 34 Улар кундуз куни йўл
юрганларида, Эгамизнинг булути уларнинг устида борар эди. 35 Сандиқ йўлга
чиққанда, Мусо шундай дерди:

“Қўзғал, эй Эгам,
Сенинг ғанимларинг тумтарақай бўлсин.
Сени кўролмаганлар олдингдан қочиб кетсин.”

36 Аҳд сандиғи тўхтаганда эса Мусо шундай дерди:

“Қайт, эй Эгам,
Минг–минглаб Исроил халқи орасига!”

11–БОБ

Тавера номли жой

1 Орадан кўп вақт ўтмай халқ қийинчиликлардан минғирлаб нолий бошлади.
Уларнинг нолишларини эшитган Эгамиз ғоят ғазабланиб, қароргоҳга аланга
туширди. Аланга авж олиб, қароргоҳнинг четларини куйдириб юборди. 2 Халқ
Мусога фарёд қилди. Мусо Эгамизга илтижо қилган эди, аланга ўчди.
3 Эгамизнинг алангаси қароргоҳни ёндиргани учун бу жойга Тавера* деб ном
берилди.

Мусо етмишта оқсоқолни танлайди

4 Исроил халқи орасидаги қаланғи–қасанғиларнинг* нафсига ўт тушди.
Исроил халқи ҳам уларга қўшилишиб фиғон чекиб, зорлана бошлади: “Қанийди
гўшт бўлса! 5 Биз Мисрда текинга балиқ, бодринг, қовун, пиёз, кўк пиёз, саримсоқ
ердик. 6 Энди эса силламиз қуриган, маннадан* бошқа ейдиган ҳеч нарса йўқ.”
7 Манна кашнич уруғига ўхшарди, унинг ранги дарахт елими рангидай эди.
8 Халқ маннани ердан йиғиштириб олар, тегирмонда янчиб ёки ҳавончада туйиб,
сўнг қозонга солиб қайнатарди, нон ҳам ёпарди. Унинг мазаси зайтун мойи қўшиб
ёпилган нонга ўхшарди. 9 Тунда қароргоҳга шабнам тушганда, шабнам билан
бирга манна ҳам ёғиларди.
10 Ҳамма одамлар оила аъзолари билан бирга ўз чодирларининг
кираверишида туриб фарёд қилишаётган эди. Буни эшитган Мусо қаттиқ
ранжиди. Эгамизнинг ғазаби ҳам аланга олди. 11 Шунда Мусо Эгамизга деди:
— Нимага қулингнинг бошига шунча азобларни солдинг? Нима учун мендан
марҳаматингни дариғ тутдинг? Нима учун бу халқнинг оғирлигини менга
юкладинг? 12 Шу халқнинг ҳаммасини мен қорнимда кўтариб юрганмидим?!
Уларни мен туққанмидим?! Нимага унда Сен менга: “Энага чақалоқни кўтариб
юргандай, сен бу халқни Мен ота–боболарингга ваъда қилган юртга қўлларингда
кўтариб борасан”, деб айтяпсан? 13 Улар йиғлаб, бизга гўшт бер, деб айтишяпти!
Шунча халққа гўштни қаердан топиб бераман, ахир?! 14 Бу халқнинг оғирлигини
мен бир ўзим кўтара олмайман. Бунга ортиқ чидай олмайман. 15 Агар менга
муносабатинг шу бўлса, ҳозироқ жонимни олиб қўя қол. Борди–ю, Сендан
марҳамат топган бўлсам, менинг бунчалик хор бўлишимга йўл қўйма.
16 Шунда Эгамиз Мусога деди:
— Менга Исроил оқсоқолларидан етмиштасини йиғиб бер. Улар халқнинг
орасида йўлбошчи деб тан олинган обрўли одамлардан бўлишсин. Уларни
Учрашув чодирига олиб келиб, ўзингнинг ёнингга турғизиб қўй. 17 Мен тушиб
келиб, у ерда сен билан гаплашаман. Сўнг сенга берган Руҳимдан олиб, уларга ҳам
бераман. Сен бу халқнинг оғирлигини ёлғиз ўзинг кўтармаслигинг учун, улар
ёнингга кириб, оғирингни енгил қилишади. 18 Халққа эса шу гапни айт: “Эртанги
кунга тайёрланиб покланинглар*, гўшт ейсизлар. Сизлар Эгамизнинг қулоғи
остида минғирлаб нолиб, қанийди гўшт бўлса, биз Мисрда давр сурган
эканмиз–да, деб фарёд қилдингизлар. Шунинг учун Эгамиз сизларга гўшт беради,
сизлар гўшт ейсизлар. 19 Сизлар гўштни бир–икки кун эмас, беш–ўн кун ҳам эмас,
йигирма кун ҳам эмас, 20 балки бир ой давомида — гўшт бурнингиздан чиққунча,

кўнглингизга ургунча ейсизлар. Чунки сизлар, Мисрдан чиқишимизнинг нима кераги бор эди, дея минғирлаб нолиб, орангиздаги Эгангизни рад этдингиз.”

21 Лекин Мусо Эгамизга айтди:

— Менинг ёнимдаги бу халқ 600.000 жондан иборат. Сен эса: “Уларни бир ой давомида гўшт билан боқаман”, деяпсан! 22 Бор мол–қўйимизни сўйсак ҳам, денгиздаги ҳамма балиқларни йиғиштириб келсак ҳам, уларни тўйдира олармидик?!

23 Эгамиз шунда Мусога айтди:

— Нима, Мен, Эгангнинг қўли калтамиди?! Менинг сенга айтган гапларим бажо бўлиши ёки бўлмаслигини энди кўрасан.

24 Шундан кейин Мусо ташқарига чиқиб, Эгамизнинг сўзларини халққа етказди. Сўнг етмишта халқ оқсоқолини йиғиб, уларни Муқаддас чодир атрофига жойлаштирди. 25 Шунда Эгамиз булут ичида тушиб келиб, Мусо билан гаплашди, Мусога берган Ўз Руҳидан олиб, етмишта оқсоқолга берди. Руҳ оқсоқолларни қамраб олди ва улар зикр туша бошладилар. Лекин бундай ҳол бошқа такрорланмади.

26 Етмишта оқсоқолнинг иккитаси Муқаддас чодирга бормай қароргоҳда қолган эди. Бирининг исми Элдод, иккинчисиники Мидод эди. Бироқ Эгамизнинг Руҳи уларни ҳам қамраб олди, улар ҳам қароргоҳда зикр туша бошладилар. 27 Бир ўспирин югуриб келиб, Мусога: “Элдод билан Мидод қароргоҳда зикр тушишяпти”, деди. 28 Мусога ёшлигидан хизмат қилиб келган* ёрдамчиси Нун ўғли Ёшуа деди:

— Мусо ҳазратлари! Уларни тўхтатинг!

29 Мусо эса унга шундай жавоб берди:

— Сен менинг манфаатимни кўзлаб, шу гапларни айтяпсанми? Менга қолса, Эгамнинг бутун халқи пайғамбар бўлсин, Эгамиз Ўз Руҳини уларнинг ҳаммасига берсин, дейман!

30 Шундан сўнг Мусо билан Исроил оқсоқоллари қароргоҳга қайтиб келишди.

Эгамиз беданалар юборади

31 Эгамиз шамол қўзғатди. Шамол денгиздан* беданаларни қароргоҳга ва қароргоҳ атрофига учириб келди–да, кўпларини ерга туширди. Анчаси эса қароргоҳнинг айланаси бўйлаб бир кунлик масофада, икки тирсак баландликда учиб юрган эди*.

32 Халқ ўша куни кундузи ва кечаси, кейинги куни ҳам эртадан кечгача бедана йиғиштирди. Энг оз терган одамники олтмиш сават* чиқди. Улар беданаларни қуритиш учун бутун қароргоҳ атрофига ёйиб ташлашди. 33 Лекин одамлар гўштни энди оғзига олиб, ҳали ейишга ҳам улгурмаган эдиларки, Эгамиз халққа ғазабини сочиб, қақшатқич ўлат юборди. 34 Бу ерга Хиврут–Хаттаво* деб ном берилди, чунки бу ерга нафси бузуқ одамлар дафн қилинганди.

35 Халқ Хиврут–Хаттаводан Хазерўтга қараб йўлга чиқди. Улар Хазерўтга етиб борганларидан кейин қароргоҳ қуришди.

12–БОБ

Марям жазоланади

1 Мусо Ҳабашистонлик* аёлга уйлангани учун Марям ва Ҳорун Мусога қарши гапирдилар. 2 Иккови: “Эгамиз ёлғиз Мусо орқали гапирибдими?! У биз орқали ҳам гапирмаганми?!” дейишди. Эгамиз уларнинг бу гапини эшитди. 3 Мусо жуда камтар одам эди, ер юзида камтарликда унга тенг келадигани йўқ эди.

4 Эгамиз бирдан Мусо, Ҳорун ва Марямга:
— Учовингиз ҳам Учрашув чодирига келинглар! — деб амр берди.
Шундан сўнг учовлари Учрашув чодирига келишди. 5 Эгамиз устун шаклидаги булутда тушиб, Чодирга кираверишда турди ва Ҳорун билан Марямни чақирди. Иккови олдинга чиқди. 6 Эгамиз уларга деди:
— Менинг сўзларимни эшитиб олинглар. Орангизда пайғамбар бўлганда, Мен, Эгангиз, Ўзимни уларга ваҳийда аён қиламан, улар билан тушларида гаплашаман. 7 Лекин қулим Мусо билан бошқача гаплашаман. Менинг бутун халқим орасида ишончлиси Мусодир*. 8 Мен у билан жумбоқли башоратлар орқали эмас, балки юзма–юз, очиқ–ойдин гаплашаман. Мусо Мен, Эгангизнинг шарпасини кўради. Наҳотки сизлар Менинг қулим Мусога қарши гапиришдан қўрқмадингизлар?!
9 Эгамиз улардан қаттиқ ғазабланиб, узоқлашди.
10 Булут Чодир тепасидан кетиши биланоқ, Марям тери касаллигига* чалиниб, қордай оппоқ бўлиб қолди. Ҳорун буни кўриб, 11 Мусога ёлворди:
— Эй ҳазратим, биз аҳмоқлик қилиб қўйдик! Ўтинаман, гуноҳимиздан ўтинг! 12 Марям она қорнидаёқ чирий бошлаган ўлик чақалоққа ўхшаб қолмасин!
13 Шунда Мусо Эгамизга илтижо қилиб:
— Эй Худо, унга шифо бер! — деб ёлворди. 14 Эгамиз эса Мусога шундай жавоб берди:
— Агар Марямнинг ўз отаси унинг юзига тупурганда, у етти кун шарманда бўлиб юрмасмиди?! Марямни қароргоҳдан чиқариб юборинглар, у етти кундан кейингина қароргоҳга қайтиб келиши мумкин.
15 Шундай қилиб, Марям қароргоҳдан ҳайдаб чиқарилди. У етти кун қароргоҳдан ташқарида бўлди. У қайтиб келмагунча халқ йўлга чиқмай турди.

13–БОБ

Айғоқчилар

1 Шундан сўнг халқ Хазерўтдан йўлга чиқиб, Порон чўлига* келиб қароргоҳ қурди. 2 Эгамиз Мусога деди: 3 “Мен Исроил халқига бераётган Канъон юртига айғоқчилар юбор. Ҳар бир қабиладан биттадан йўлбошчини жўнат.”
4 Мусо, Эгамизнинг амрига мувофиқ, қабила йўлбошчиларини Порон чўлидан Канъон юртига жўнатди. 5 Уларнинг исми қуйидагичадир:

Рубен қабиласидан — Заккур ўғли Шаммува.
6 Шимўн қабиласидан — Хўри ўғли Шофот.
7 Яҳудо қабиласидан — Яфунах ўғли Холиб.
8 Иссахор қабиласидан — Юсуф ўғли Йихал.
9 Эфрайим қабиласидан — Нун ўғли Хўшея*.
10 Бенямин қабиласидан — Рофу ўғли Палти.
11 Забулун қабиласидан — Сўди ўғли Гаддиёл.
12 Юсуф қабиласидан, яъни Манаше қабиласидан — Сусих ўғли Гадди.
13 Дан қабиласидан — Гамали ўғли Омиёл.
14 Ошер қабиласидан — Микойил ўғли Сатур.
15 Нафтали қабиласидан — Вофси ўғли Нахби.
16 Гад қабиласидан — Мохи ўғли Гувал.

17 Мусо Канъон юртига айғоқчиликка юборган одамларнинг исми ана шулардир. Мусо Нун ўғли Хўшеянинг исмини ўзгартириб, уни Ёшуа деб атади*.
18 Мусо уларни Канъон юртига айғоқчиликка юборар экан, шундай деди:

“Шимолга қараб юринглар, Нагав чўлини* айланиб чиққанингиздан кейин,
чўлдан шимолда жойлашган қирли ерларни ҳам кўриб чиқинглар. 19 У ерлар
қандай жой, у ерда яшаётган халқ кучлими ёки заифми, кўпми ёки озми, 20 юрти
яхшими ёки ёмонми, шаҳарлари девор билан ўралганми ёки йўқми, 21 ерлари
унумдорми ёки камҳосилми, дарахтлари борми ёки йўқми, билиб келинглар. Ўша
юртнинг меваларидан олиб келишнинг иложини қилинглар.” Узум мавсуми энди
бошланган эди.

22 Шундай қилиб, айғоқчилар шимолга қараб кетишди. Зин чўлидан бошлаб,
Лево–Хомат* яқинидаги Рехоб шаҳригача бўлган ҳамма жойларни кўздан
кечириб чиқишди. 23 Даставвал улар Нагав чўлини кесиб ўтиб, Хеврон шаҳрига*
боришганди. Ўша ерда Оноқ авлодидан келиб чиққан* Охиман, Шешай ва Талмай
уруғлари яшашарди. Хеврон Мисрдаги Зўван шаҳридан етти йил олдин қурилган
эди. 24 У ердан айғоқчилар Эшкўл сойлигига бориб, бир бош узумни шохи билан
қирқиб олишганди. Бу бош узумни икки киши ходага осиб кўтариб кетганди.
Бундан ташқари, улар анор ва анжирлардан ҳам олишганди. 25 Айғоқчилар
сойликдан бир бош узум қирқиб олганлари учун ўша сойликка Эшкўл* деб ном
берилди.

26 Ниҳоят, улар юртни кўриб чиқиб, қирқинчи куни қайтишди. 27 Порон
чўлидаги Кадешга* — Мусо, Ҳорун ва бутун Исроил жамоаси олдига келишди.
Уларга кўрган–билганларини айтиб, ўша юртнинг меваларини кўрсатишди.
28 Улар Мусога шундай деб айтишди:

— Сиз бизни юборган юртга бордик, у ерда чиндан ҳам сут ва асал оқиб
ётибди*. Мана бу мевалар ўша ердан. 29 Лекин у ернинг халқлари кучли,
шаҳарлари мустаҳкам ва ниҳоятда улкан экан. Биз у ерда ҳатто Оноқ авлодини*
ҳам кўрдик! 30 Омолек халқи — Нагав чўлида, Хет, Ёбус ва Амор халқлари —
қирларда, Канъон халқи эса Ўрта ер денгизи қирғоқларида ва Иордан дарёси
бўйларида истиқомат қилишар экан.

31 Холиб Мусонинг рўпарасида турган халқни тинчлантириб:

— Бўла қолинглар, ўша юртга ҳужум қилиб, уни эгаллаб олайлик. Ўша юртни
босиб олишга албатта кучимиз етади, — деди.

32 Лекин Холиб билан бирга борганлар:

— У халққа бас кела олармидик?! Улар биздан кучлироқ–ку! — дейишди.

33 Шундай қилиб, улар ўзлари кўриб келган юрт тўғрисида Исроил халқи
орасида бўлмағур миш–мишлар тарқата бошлашди: “Биз кўриб келган юрт у ерда
яшашга борадиганларни ютиб юборар экан. Ўша юртдаги ҳамма одамлар дев
қомат экан. 34 Биз у ерда ҳатто улкан паҳлавонлар* уруғидан бўлган Оноқ
авлодини кўрдик. Уларнинг олдида ўзимизни худди чигирткадай ҳис қилдик. Ҳа,
уларнинг назарида ҳам биз чигирткадай эдик.”

14–БОБ

Халқ зорланади

1 Кейин бутун жамоа фиғон чекиб, тун бўйи йиғи–сиғи қилиб чиқди. 2 Жамики
Исроил халқи Мусо ва Ҳорундан минғирлаб нолиб, уларга шундай деди:

— Қанийди, Мисрда ўлиб кетганимизда ёки шу саҳрода жон берганимизда
эди! 3 Агар жангда қирилиб кетадиган бўлсак, нима учун Эгамиз бизни ўша юртга
олиб боряпти? Бизнинг хотину бола–чақаларимиз душманга ўлжа бўлади–ку!
Бундан кўра, Мисрга қайтиб кетганимиз яхшироқ эмасми?!

4 Шундан сўнг улар ўзаро: “Ўзимизга бир йўлбошчи танлаймиз–у, Мисрга

қайтиб кетамиз”, деб келишиб олишди. 5 Мусо билан Ҳорун эса бутун Исроил
жамоаси олдида мук тушишди. 6 Юртни кўриб келган айғоқчиларнинг иккитаси
Нун ўғли Ёшуа ва Яфунах ўғли Холиб қайғудан кийимларини йиртишди. 7 Иккови
жамики Исроил жамоасига дейишди:
— Биз кўриб келган юрт — жуда ҳам яхши жой! 8 Агар Эгамиз биздан мамнун
бўлса, У бизни ўша юртга олиб киради, сут ва асал оқиб ётган ўша юртни* бизга
беради. 9 Фақат Эгамизга қарши исён қилманглар! У юртнинг халқидан
қўрқманглар! Улар биз учун осон ўлжа бўлишади. Улар пушти паноҳидан
айрилган, Эгамиз эса биз билан бўлади. Улардан қўрқманглар!
10 Лекин бутун жамоа: “Ёшуа ва Холибни тошбўрон қиламиз!” деб пўписа
қилди.
Шунда Эгамиз улуғворлигини Учрашув чодирида жамики Исроил халқига
зоҳир қилди.

Мусо халқ учун илтижо қилади

11 Эгамиз Мусога деди:
— Қачонгача бу халқ Мени хўрлайди?! Уларнинг орасида қанча мўъжиза
кўрсатган бўлсам–у, қачонгача Менга ишонмай юради?! 12 Мен ўлат юбориб бу
халқни қириб ташлайман. Сендан эса улардан ҳам кучлироқ ва буюкроқ бир халқ
яратаман.
13 Аммо Мусо Эгамизга шундай жавоб берди:
— Сен бу халқни Ўз қудратинг билан Мисрликлар орасидан олиб чиққан
эдинг–ку! Агар халқингни қириб ташласанг, Мисрликлар бу ҳақда эшитишади.
14 Улар бу юртда истиқомат қилаётган халқларга ҳам бу ҳақда хабар беришади. Эй
Эгам, ўша халқлар Сен биз билан эканингни билишади. Сен биз билан юзма–юз
кўришганингни, Сенинг булутинг доимо бизнинг тепамизда турганини, Сен
бизни кундузи устун шаклидаги булут ичида, кечаси устун шаклидаги аланга
ичида йўлга бошлаганингни улар билишади, ахир! 15-16 Борди–ю, Сен халқингнинг
ҳаммасини бирдай қириб ташласанг, Сенинг улуғворлигинг ҳақида эшитган
халқлар: “Исроил халқининг Эгаси қасам ичиб ваъда берган юртга Ўз халқини
олиб кира олмагани учун уларни саҳрода нобуд қилиб юборибди”, деб
айтишмайдими?! 17 Ё Раббий, илтижо қиламан, Ўз матонатингни кўрсат. Сен
Ўзинг айтгансан*: 18 “Мен, Эгангизнинг жаҳли тез эмас, содиқ севгим мўлдир.
Фосиқликни, исённи кечираман. Лекин айбдорни асло жазосиз қолдирмайман.
Мен уларни жазолайман, уларнинг гуноҳлари оқибатидан фарзандлари,
набиралари ва чеваралари ҳам қочиб қутулмайди.” 19 Ўтинаман, чексиз севгинг
туфайли бу халқнинг гуноҳидан ўт. Ахир, Сен уларни Мисрдан чиққанларидан
бери кечириб келяпсан.
20 — Илтимосингга мувофиқ уларни кечираман, — деди Мусога Эгамиз. 21 —
Лекин Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи, ер юзини тўлдирган улуғворлигим ҳақи,
онт ичиб айтаманки, 22-23 бу одамларнинг бирортаси Мен оталарига ваъда қилган
юртга кирмайди. Улар Менинг буюк қудратимни, Мисрда ва саҳрода қилган
мўъжизаларимни кўра туриб Менга қулоқ солмадилар, Мени қайта–қайта
синадилар. Мени хўрлаган бу одамлар Канъон юртини кўрмайдилар. 24 Лекин
қулим Холиб бундайлардан эмас. У Менга содиқ қолди. Шунинг учун Мен уни ўзи
кўриб келган ўша юртга олиб кираман. Унинг насли юртни эгаллайди. 25 Энди эса
Омолек ва Канъон халқлари яшайдиган водийларга бора кўрманглар. Эртагаёқ
орқага қайтинглар, Қизил денгиз* йўлидаги саҳрога боринглар.

Эгамиз халқни шикоят қилгани учун жазолайди

26 Эгамиз Мусо билан Ҳорунга деди:
27 — Қачонгача бу қабиҳ жамоа Мендан нолийверади?! Мен Исроил халқининг
минғирлаб нолишини эшитдим, 28 бориб уларга Менинг бу гапимни айт: “Барҳаёт
Худо бўлганим ҳақи, онт ичиб айтаманки, минғирлаб нолиганларингизни* Мен
бошингизга соламан. Мен, Эгангиз, айтдим. 29 Жасадларингиз мана шу саҳрода
қолади. Рўйхатга кирган йигирма ва ундан юқори ёшдагилар — Мендан
минғирлаб нолиганларнинг ҳаммаси 30 Мен онт ичиб, сизларга яшаш учун
бермоқчи бўлган юртга киришмайди. У юртга фақат Яфунах ўғли Холиб билан
Нун ўғли Ёшуа киришади. 31 Сизлар, болаларимиз у ерда душманга ўлжа бўлади,
деб айтдингиз. Аммо Мен болаларингизни ўша ерга олиб кираман. Сизлар рад
этган ўша юртдан улар баҳра олишади. 32 Сизларнинг жасадларингиз эса мана шу
саҳрода қолиб кетади. 33 Болаларингиз саҳрода қирқ йил тентираб юради.
Ҳаммангиз мана шу саҳрода нобуд бўлмагунингизча, болаларингиз сизнинг
садоқатсизлигингиз учун азоб тортишади. 34 Сизлар ўша юртни қирқ кун
давомида кўриб қайтиб келган эдингизлар. Энди гуноҳингиз учун қирқ йил, ҳар
бир кун эвазига бир йилдан жазо тортиб юрасизлар. Менга қарши чиққанларнинг
ҳоли не кечишини* ана шунда биласизлар! 35 Менга қарши йиғилган мана шу
қабиҳ жамоанинг ҳаммасини Мен шундай аҳволга соламанки, улар мана шу
саҳрода қирилиб, йўқ бўлиб кетишади. Буни Мен, Эгангиз, айтдим.”
36 Мусо Канъон юртига айғоқчи қилиб юборган ўнта одам бўлмағур гаплар
тарқатиб, жамоанинг Эгамиздан минғирлаб нолишига сабабчи бўлган эди. 37 Ўша
юрт ҳақида нохуш хабар олиб келган бу одамлар ўлатга чалиниб, Эгамизнинг
олдида жон беришди. 38 Айғоқчилардан фақат Нун ўғли Ёшуа билан Яфунах ўғли
Холиб тирик қолди.

Канъон юртини босиб олишга биринчи уриниш

39 Мусо жамики Исроил халқига шу гапларни айтганда, халқ чуқур қайғуга
ботди. 40 Эртасига улар тонг саҳарда турдилар, Канъондаги қирларга томон
жўнаётиб шундай дедилар:
— Қани, кетдик, гуноҳ қилганимизни англаб етдик. Мана энди Эгамиз бизга
ваъда қилган ўша юртга киришга тайёрмиз.
41 Лекин Мусо:
— Нима учун Эгамизнинг амрига яна итоатсизлик қиляпсизлар? — деди. — Бу
билан ҳеч нарсага эришолмайсизлар–ку! 42 У ерга бормanглар. Эгамиз сизлар
билан эмас! Душманларингиз олдида мағлуб бўласизлар! 43 Омолек ва Канъон
халқлари сизларга қаршилик кўрсатишади. Қирилиб кетасизлар. Сизлар
Эгамиздан юз ўгирганингиз учун, У сизлар билан бирга бўлмайди.
44 Бироқ Исроил халқи билганидан қолмай ўша ердаги қирларга чиқди.
Эгамизнинг Аҳд сандиғи билан Мусо эса қароргоҳда қолишди. 45 Ўша қирларда
яшайдиган Омолек ва Канъон халқлари пастга тушиб, Исроил халқига ҳужум
қилишди, уларни Хўрмахгача* қувиб боришди.

15–БОБ

Қурбонликларга оид қонунлар

1-2 Мусо орқали Исроил халқига Эгамиз қуйидаги қонунларни берди: Эгамиз
сизларга берадиган юртга ўрнашиб олганингиздан кейин мана бу қонунларга
риоя қилинг: 3 Эгамизга атаб, буқа, қўчқор, қўзи ва улоқчаларингиздан
қурбонликлар келтиринг. Уларни куйдириладиган қурбонлик, тинчлик

қурбонлиги, кўнгилдан чиқариб бериладиган қурбонлик ва берган ваъдангизга мувофиқ келтириладиган қурбонлик қилинг. Уларни белгиланган байрам кунларида ҳам келтиринг. Бу қурбонликларнинг маълум қисмларини қурбонгоҳда куйдиринг, шунда Эгамизга ёқимли ҳид боради. 4-5 Бу қурбонликларга қўшиб, Эгамизга атаб, албатта дон ва шароб назрларини келтиришингиз керак.

Қўзи ёки улоқчани қурбонлик қилганингизда, дон назрини — икки коса* зайтун мойи аралаштирилган тўрт коса* сифатли унни ҳамда икки коса шаробни назр қилинглар.

6 Қўчқорни қурбонлик қилганингизда, дон назрини — уч коса* зайтун мойи аралаштирилган саккиз коса* сифатли унни ва 7 уч коса шаробни назр қилинглар. Бу қурбонлик ва назрлардан Эгамизга ёқимли ҳид боради.

8 Буқани Эгамизга атаб, куйдириладиган қурбонлик, берган ваъдангизга мувофиқ қилинадиган қурбонлик ёки тинчлик қурбонлиги қилганингизда, 9 қурбонликка қўшиб тўрт коса* зайтун мойи аралаштирилган ўн икки коса* сифатли унни ва 10 тўрт коса шаробни назр қилинглар. Оловда куйдириладиган бу қурбонлик ва назрлардан Эгамизга ёқимли ҳид боради.

11 Шундай қилиб, буқа, қўчқор, қўзи ёки улоқчани қурбонлик қилганингизда, шу назрларни қурбонликка қўшиб келтиринглар. 12 Қурбонлик қилинадиган ҳайвонларнинг сони қанча бўлишидан қатъий назар, ҳар бир ҳайвонга қўшиб, белгиланган миқдорда дон билан шароб назр қилинглар. 13 Исроил халқидан бўлган ҳар бир одам қурбонликни Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун оловда куйдирганда, мана шу қоидаларга риоя қилиши шарт. 14 Агар орангизда ўрнашиб олган ёки вақтинча истиқомат қилаётган бирорта мусофир Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун қурбонликни оловда куйдирмоқчи бўлса, у ҳам шу қоидаларга риоя қилсин.

15 Исроил жамоаси учун ҳам, орангизда яшаётган мусофир учун ҳам қонун–қоида бир. Эгамизнинг олдида сизлар ҳам, мусофирлар ҳам бирдир. Бу қонун–қоидага доимо, авлодларингиз оша риоя қилинглар. 16 Сизлар учун ҳам, орангизда яшаётган мусофирлар учун ҳам қонун–қоида бирдир.

17-18 Мусо орқали Исроил халқига Эгамиз яна қуйидаги қонунларни берди: Эгамиз сизларни бошлаб бораётган юртга кирганингиздан кейин, 19 ўша юртнинг нонидан тановул қиласизлар. Ўшанда нонингизнинг бир қисмини Эгамизга назр қилинглар. 20 Хамирнинг биринчи зуваласидан ёпилган нонни Эгамизга назр қилинглар. Буни янчилган донни назр қилгандай назр қилинглар. 21 Хамирнинг биринчи зуваласини авлодлар оша Эгамизга назр қилинглар.

22-23 Агар Эгамиз мен орқали берган бу амрларнинг бирортасига — Эгамиз амр этган кундан бошлаб авлодларингиз оша риоя қилмасангиз, 24 агар жамоа бу хатога билмаган ҳолда йўл қўйган бўлса, бутун жамоа Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун битта буқани куйдириб қурбонлик қилсин. Улар буқага қўшиб, белгиланган миқдорда дон билан шароб назрини келтиришсин. Бундан ташқари, битта такани гуноҳ қурбонлиги қилишсин. 25 Шундай қилиб, руҳоний бутун Исроил жамоасини гуноҳларидан поклайди. Жамоа билмасдан хато қилгани учун кечирилади, чунки улар қилган хатоси учун Эгамизга қурбонлик қилиб, оловда куйдирган ва гуноҳ қурбонлигини келтирган бўладилар. 26 Эгамиз бутун Исроил жамоасини ва сизларнинг орангизда яшаётган мусофирларни кечиради, чунки бутун халқ билмай хато қилган эди.

27 Агар бирорта одам билмасдан гуноҳ қилиб қўйса, бир ёшли эчкини гуноҳ қурбонлиги қилсин. 28 Руҳоний Эгамизнинг олдида ўша одамни гуноҳидан

поклайди, ўша одам кечирилади. 29 Билмасдан гуноҳ қилиб қўйган Исроил одами
учун ҳам, орангизда истиқомат қилаётган мусофир учун ҳам қонун бир.
30 Лекин қасддан гуноҳ қилган одам, Исроил халқиданми ёки мусофирми,
Эгамизга шак келтирган бўлади. Ўша одам Исроил халқи орасидан йўқ қилинсин.
31 У Эгамизнинг сўзларини назар–писанд қилмагани учун, амрларига итоат
қилмагани учун албатта йўқ қилинсин. Унинг гуноҳи ўз гарданида қолади.

Шаббат қоидаларини бузган одам ҳақида

32 Бир куни Исроил халқи саҳрода турган пайтда, Шаббат куни ўтин териб
юрган бир одамни ушлаб олишди*. 33 Улар ўша одамни Мусо, Ҳорун ва бутун
Исроил жамоаси олдига олиб келишди. 34 Бироқ бу одамни нима қилиш
кераклигини ҳали аниқ билишмагани учун уни қамаб қўйишди. 35 Кейин Эгамиз
Мусога деди:

— Бу одамнинг жазоси ўлимдир. Бутун жамоа уни қароргоҳдан ташқарига
олиб чиқиб, тошбўрон қилсин.

36 Эгамиз Мусога амр этгандай, бутун жамоа ўша одамни қароргоҳдан
ташқарига олиб чиқиб, тошбўрон қилиб ўлдирди.

Попуклар ҳақида қоидалар

37 Шундан кейин Эгамиз Мусога деди:
38 — Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Сизлар авлодлар оша
кийимларингизнинг этагига попук қилиб осиб юринглар. Ҳар бир попукка кўк ип
қўшиб эшилган бўлсин. 39 Попуклар сизларга Мен, Эгангизнинг амрларини
эслатиб туради. Уларни кўрганингизда Мен сизларга берган ҳамма амрларимни
эслаб, бажарасизлар. Хиёнатга етакловчи кўнглингиз, кўзингиз эҳтиросларига
ортиқ берилмайсизлар. 40 Шунда сизлар Менинг ҳамма амрларимни ёдингизда
тутиб бажарасизлар, Менга бағишланган бўласизлар. 41 Мен Эгангиз Худоман.
Мен Худойингиз бўламан деб, сизларни Мисрдан олиб чиққанман. Ҳа, Мен
Эгангиз Худоман.”

16–БОБ

Кўрах, Датан ва Абурамнинг исёни

1-2 Бир куни Леви қабиласининг Қоҳот уруғидан бўлган Изхор ўғли Кўрах
Мусога қарши исён кўтарди. У Рубен қабиласидан Элиёбнинг ўғиллари Датан ва
Абурамни ҳамда Палаф ўғли Онни ёнига қўшиб олди. Исроил халқининг 250
йўлбошчиси ҳам уларга қўшилди. Бу йўлбошчилар жамоа кенгашининг
тайинланган аъзоларидан бўлиб, обрўли кишилар эди.
3 Улар Мусо билан Ҳорунга қарши йиғилишиб, икковига шундай дейишди:

— Сизлар ҳаддингиздан ошиб кетдингиз! Ахир, бутун жамоа ва унинг ҳар бир
аъзоси Эгамизга тегишли–ку! Эгамиз ҳаммамиз билан биргадир. Нимага энди
сизлар ўзингизни Эгамизнинг жамоасидан устун қўйяпсизлар?!

4 Мусо бу гапни эшитиб, мук тушди*. 5 Сўнг Кўрах ва унинг шерикларига
шундай деди:

— Эртага эрталаб Эгамиз Ўзиникиларни кўрсатади. Ўзига тегишли бўлган
одамини аён қилади. Ким Худонинг танлангани бўлса, Эгамиз ўшани Ўзига
яқинлаштиради. 6 Сен, Кўрах, ҳамтовоқларинг билан бирга оловкуракларингизни
олиб, 7 эртага Эгамиз олдида ўша оловкуракларингизда тутатқи тутатинглар.
Ўшанда Эгамиз кимни танлаб олганини, ким Унга тегишли эканлигини кўрамиз*.
Эй левилар, сизлар ҳаддингиздан ошиб кетдингизлар!

8 Кейин Мусо:
— Эй левилар, эшитиб олинглар! — деди Кўрахга. 9 — Исроил халқининг
Худоси сизларни Исроил жамоасидан ажратиб олди. Эгамизнинг Муқаддас
чодиридаги юмушларни бажаришингиз учун сизларни Ўзига яқинлаштирди.
Жамоа вакили сифатида бутун халққа хизмат қилишингиз учун сизларни танлаб
олди. Наҳотки шуниси сизларга камлик қилса?! 10 Эгамиз сизларни, ҳамма леви
биродарларингизни Ўзига яқинлаштирган бўлса, яна руҳонийликни ҳам талаб
қилишингиз нимаси? 11 Ҳорун ким бўптики, сизлар ундан минғирлаб нолисангиз?
Сизлар асли Ҳорунга эмас, Эгамизга қарши йиғилгансиз!
12 Мусо Элиёбнинг ўғиллари Датан ва Абурамни чақириб келгани одам
юборди. Лекин улар:
— Бормаймиз! — деб айтиб юборишди. 13 — Эй Мусо, сен бизни сут ва асал
оқиб ётган юртдан* олиб чиқиб, саҳрода ҳалок қилмоқчи бўлдинг. Шуниси
етмагандай, энди бизга хон бўлмоқчимисан?! 14 Сен бизни сут ва асал оқиб ётган
юртга олиб кирмадинг, мулк қилиб далалару узумзорларни бермадинг. Шу
пайтгача бизни лақиллатиб келяпсан. Йўқ, олдингга бормаймиз!
15 Буларни эшитган Мусо қаттиқ ғазабланиб, Эгамизга айтди:
— Уларнинг назрларини қабул қилма. Мен уларнинг бирортасига ёмонлик
қилмадим–ку, уларнинг биронтасидан ҳатто эшагини ҳам олмадим–ку!
16 Сўнг Мусо Кўрахга айтди:
— Эртага ўзинг ҳам, ҳамма шерикларинг ҳам Эгамиз олдида ҳозир бўлинглар.
Ҳорун ҳам шу ерда бўлади. 17 250 нафар йўлбошчининг ҳаммаси оловкуракларига
тутатқи солиб, Эгамизнинг ҳузурига олиб келишсин. Сен ҳам оловкурагингни
олиб кел, Ҳорун ҳам ўзиникини олиб келади.
18 Шундай қилиб, эртаси куни ҳар бир одам ўз оловкурагини олди.
Оловкуракка чўғ солиб, чўғ устига тутатқи ташлади. Улар Мусо ва Ҳорун билан
бирга Учрашув чодири кираверишига келиб туришди. 19 Кўрах бутун жамоани
Учрашув чодири кираверишига олдига — Мусо ва Ҳоруннинг рўпарасига тўплагач,
Эгамиз улуғворлигини бутун жамоага зоҳир қилди.
20 Кейин Эгамиз Мусо билан Ҳорунга:
21 — Бу жамоадан нари туринглар, — деди. — Мен уларни бир зумда йўқ қилиб
юбораман.
22 Иккови эса мук тушиб:
— Эй Худойим! Эй одамзод руҳларининг Худоси! — деб илтижо қилишди. —
Гуноҳ қилган битта одам–ку, Сен эса бутун жамоадан ғазабланяпсанми?!
23 Эгамиз Мусога деди:
24 — Жамоага айт, улар Кўрах, Датан ва Абурамнинг чодирларидан узоқроқ
туришсин.
25 Мусо ўрнидан туриб, Датан билан Абурамнинг олдига кетди. Исроил
оқсоқоллари ҳам Мусога эргашишди. 26 Мусо жамоага деди:
— Бу қабиҳ одамларнинг чодирларидан узоқроқ туринглар. Уларнинг бирор
нарсасига ҳам тегманглар. Акс ҳолда, уларнинг ҳамма гуноҳлари учун сизлар
нобуд бўласизлар.
27 Жамоа Кўрах, Датан ва Абурамнинг чодирларидан узоқроққа бориб
туришди. Датан ва Абурам эса хотинлари, бола–чақалари билан чодирларининг
кираверишига чиқиб турган эдилар.
28 — Бу ишларнинг ҳаммасини адо этишим учун мени Эгамиз юборганини,
буларни ўзимча қилмаганимни шундан биласизлар, — деди Мусо. 29 — Агар Кўрах
ва унинг шериклари ўз ажали билан, ҳамма одамлар каби, ўлишса, мени Эгамиз

жўнатмаган бўлади. 30 Борди–ю, Эгамиз фавқулодда бир нарса қилса — ер ёрилиб уларни бор нарсаси билан ютиб юборса, улар ўликлар диёрига* тириклайин кириб кетишса, билингларки, ўша одамлар Эгамизни хўрлаган бўлади.

31 Мусо гапини энди тугатган ҳам эдики, ўша одамларнинг оёғи остидаги ер ёрилиб кетди. 32 Ернинг оғзи катта очилиб, уларни оила аъзолари, Кўрахнинг ҳамма шериклари, мол–мулки билан бирга ютиб юборди. 33 Шундай қилиб, улар жамики мол–мулки билан бирга тириклайин ўликлар диёрига кириб кетишди. Ер ёпилиб, уларни жамоа орасидан ғойиб қилди. 34 Уларнинг фарёдидан атрофда турган Исроил халқи: “Бизни ҳам ер ютиб юбормасин!” деб бақирганча тумтарақай бўлди. 35 Шу пайт Эгамиз аланга юбориб, тутатқи тутатган 250 нафар одамни куйдириб юборди.

Оловкураклар

36 Эгамиз яна Мусога деди:

37-38 — Ҳоруннинг ўғли руҳоний Элазарга айт. У гуноҳлари учун ўлдирилганларнинг оловкурагларини ёнғин орасидан йиғиштириб олсин. Оловкураклардаги чўғларни бир четга чиқариб ташласин, чунки оловкураклар муқаддасдир. Бу оловкураклар Менга назр қилиш учун фойдаланилганда, муқаддас бўлган. Бу оловкурагларни ёйиб, қурбонгоҳни қоплаш учун тунука қилинглар. Булар Исроил халқини огоҳлантирувчи бир белги бўлади.

39 Руҳоний Элазар куйиб ўлганларнинг тутатқи тутатган бронза оловкурагларини йиғиштириб олди. Сўнг у оловкурагларни ёйиб, қурбонгоҳни қоплаш учун тунука ҳолига келтирди. 40 Ҳоруннинг наслидан бўлмаган бирорта одам Эгамизнинг олдида тутатқи тутатиб, Кўрах ва унинг шериклари каби ҳалок бўлмаслиги учун, бу тунука Исроил халқини огоҳ қилиб турарди. Шундай қилиб, Эгамизнинг Мусо орқали берган кўрсатмалари амалга оширилди.

Ҳорун халқни қутқаради

41 Эртасига жамики Исроил жамоаси Мусо билан Ҳорундан норози бўлиб: “Эгамизнинг халқини сизлар ўлдирдингизлар”, деб минғирлай бошлади. 42 Жамоа уларга қарши йиғилган пайтда Мусо билан Ҳорун Учрашув чодири томон қарашса, Чодирни булут қоплаб олган, Эгамиз улуғворлигини зоҳир қилган экан. 43 Улар Учрашув чодирининг олд томонига бориб туришганда, 44 Эгамиз Мусога деди:

45 — Бу жамоадан нари тур, Мен уларни ҳозирнинг ўзидаёқ йўқ қилиб юбораман.

Аммо Мусо билан Ҳорун ерга мук тушди. 46 Мусо Ҳорунга деди:

— Қани, бўл, оловкурагингни ол! Қурбонгоҳдан оловкуракка чўғ солиб, устига тутатқи ташла–да, тезроқ жамоанинг олдига бор. Уларни гуноҳларидан покла. Эгамиз ғазабини сочди, одамлар ўлатдан нобуд бўляпти.

47 Ҳорун Мусо буюргандай қилиб, жамоанинг орасига югуриб борди. Одамлар ҳақиқатан ҳам ўлатдан нобуд бўлишаётган эди. Ҳорун тутатқи тутатиб, Исроил халқини гуноҳларидан поклади. 48 У тириклар билан марҳумларнинг ўртасига турган эди, ўлат тўхтади. 49 Лекин ўлатдан 14.700 киши нобуд бўлган эди. Кўрахнинг қилмиши туфайли ўлганлар бу ҳисобга кирмасди. 50 Ўлат тўхтагандан кейин Ҳорун Учрашув чодирининг кираверишида турган Мусонинг ёнига қайтиб келди.

17–БОБ

Ҳоруннинг таёғи

1 Шундан кейин Эгамиз Мусога деди:
2 — Исроил халқига айт, улар ҳар бир қабила йўлбошчисининг таёғини* олиб
келишсин. Ҳаммаси бўлиб ўн иккита таёқ бўлсин. Ҳар бир қабила
йўлбошчисининг исмини ўз таёғига ёзиб қўйинглар. 3 Леви қабиласининг таёғига
Ҳоруннинг исмини ёзинглар, ҳар бир қабила йўлбошчисидан биттадан таёқ
бўлиши лозим. 4 Сен таёқларни Учрашув чодирига олиб кириб, Мен сен билан
учрашадиган жойга — Аҳд сандиғи* олдига қўй. 5 Мен танлаган одамнинг таёғи
куртак чиқаради. Шундай қилиб, сенга қаршилик қилаётган Исроил халқининг
минғирлаб нолишларига Мен чек қўяман.
6 Мусо Исроил халқига Эгамизнинг гапларини айтди. Йўлбошчилар ҳар бир
қабила номидан биттадан таёқни беришди, ҳаммаси бўлиб ўн иккита таёқ бўлди.
Ҳоруннинг таёғи ҳам ўша таёқлар орасида эди. 7 Мусо таёқларни Муқаддас аҳд
чодирига* — Эгамизнинг олдига қўйди.
8 Эртаси куни Мусо Муқаддас аҳд чодирига кириб қараса, Ҳоруннинг Леви
қабиласини ифода этган таёғи куртак ёзибди, кўкариб, гуллабди, ҳатто бодом
тугибди. 9 Мусо Эгамизнинг ҳузуридаги ҳамма таёқларни Исроил халқи олдига
олиб чиқиб кўрсатди. Ҳар бир йўлбошчи ўз таёғини олди. 10 Эгамиз Мусога
шундай амр берди:
— Ҳоруннинг таёғини Аҳд сандиғи олдига қайтариб олиб бориб қўй. Таёқ
доимо ўша ерда сақланиб, исёнчиларни огоҳ қилиб турсин. Шундай қилиб, сен
уларнинг минғирлаб нолишларига чек қўйиб, уларнинг қирилиб кетишига йўл
қўймайсан.
11 Эгамиз қандай амр этган бўлса, Мусо ҳаммасини бажарди.
12 Исроил халқи эса Мусога фарёд қилди:
— Шўримиз қуриди! Кунимиз битди! 13 Эгамизнинг Муқаддас чодирига яқин
борганлар нобуд бўлишади. Биз ҳаммамиз қирилиб кетамиз!

18–БОБ

Руҳонийлар ва левиларнинг бурчлари

1 Эгамиз Ҳорунга деди: “Сен, ўғилларинг ва бутун Леви қабиласи Муқаддас
чодирга нисбатан қилинган ҳар қандай айб учун жавобгар бўласизлар.
Руҳонийлик хизматида йўл қўйилган айблар учун эса фақатгина сен ва
ўғилларинг жавобгар бўласизлар. 2 Қабиладош леви биродарларингни ёнингга
ол. Сен ўғилларинг билан Муқаддас аҳд чодирида* хизмат қилаётганингда, улар
сизларга ёрдам беришади. 3 Левилар сизларнинг назоратингиз остида хизмат
қилиб, Муқаддас чодирга оид барча юмушларни бажаришади. Лекин улар
муқаддас жиҳозларга ва қурбонгоҳга зинҳор яқинлашмасинлар, акс ҳолда, улар
ҳам, сизлар ҳам ҳалок бўласизлар. 4 Левилар сизларга қўшилишиб, Учрашув
чодиридаги барча вазифаларни бажаришсин. Левилардан бошқа бирортаси
сизлар билан бирга хизмат қилмасин. 5 Менинг ғазабим Исроил халқига қарши
яна авж олмаслиги учун Чодирнинг Муқаддас хоналарида ва қурбонгоҳда
фақатгина сен ўғилларинг билан хизмат қилгин. 6 Леви биродарларингни Мен
Ўзим сенга ёрдамчи қилиб, Исроил халқи орасидан танлаб олганман. Улар
Учрашув чодирида хизмат қилишлари учун Мен, Эгангизга бағишланган.
7 Шундай бўлса–да, қурбонгоҳ ва ички парда орқасидаги Энг муқаддас хона билан

боғлиқ бўлган барча руҳонийлик хизматини фақат сен ўғилларинг билан бажар. Руҳонийликни Мен сизларга ҳадя қилиб бердим. Муқаддас буюмлар олдига келган бошқа ҳар қандай одамнинг жазоси ўлимдир.”

Руҳонийларнинг улуши

8 Эгамиз яна Ҳорунга деди: “Исроил халқи Менга олиб келган ҳамма муқаддас
назрларни назорат қилишни сенга топширдим. Бу назрларни сенга ва
ўғилларингга доимий улуш қилиб бердим. 9 Исроил халқи Менга берадиган энг
муқаддас назрларнинг, яъни дон назри, гуноҳ қурбонлиги ва айб
қурбонликларининг куйдирилмайдиган қисми сен билан ўғилларингга
тегишлидир. 10 Буларни муқаддас жойда тановул қилинглар. Бу назрларни фақат
эркаклар тановул қилишлари мумкин. Бу назрларни ғоят муқаддас деб
билинглар.

11 Қурбонгоҳ олдида Исроил халқи юқорига кўтариб, Менга берган бошқа
ҳамма назрлар ҳам сен билан ўғил–қизларингнинг доимий улушидир.
Хонадонингдаги ҳар бир пок одам бу назрларни тановул қилиши мумкин.

12 Одамлар Мен, Эгангизга назр қилган илк ҳосилнинг энг сифатли зайтун
мойини, шаробини ва донини ҳам Мен сизларга бердим. 13 Менга назр қилинган
бутун юртнинг илк ҳосили сизларники бўлади. Хонадонингиздаги ҳар бир пок
одам бу назрларни тановул қилиши мумкин. 14 Исроилда Менга тамомила
бағишланган ҳар бир нарса сизларники бўлади. 15 Исроил халқи Менга назр
қилган ҳар бир тўнғич ўғил ва ҳайвонларининг биринчи эркак боласи ҳам
сизларникидир. Лекин сизлар уларнинг ҳар бир тўнғич ўғли эвазига ҳамда ҳаром
ҳайвоннинг* биринчи эркак боласи эвазига улардан кумуш олишларингиз шарт.
16 Ҳар бир тўнғич ўғил бир ойлик бўлганда, уларнинг эвазига беш бўлакдан
кумуш олинглар. Ҳар бир кумуш бўлакнинг оғирлиги 2,5 мисқол бўлсин*.

17 Лекин сигирнинг, қўйнинг ва эчкининг биринчи боласи эвазига ҳеч қандай
тўлов олма. Бу жониворлар фақат Менга тегишлидир. Уларнинг қонини
қурбонгоҳга сеп, ёғини эса Мен, Эгангизга ёқимли ҳид келиши учун оловда
куйдир. 18 Қўчқорнинг юқорига кўтарилган тўши ва ўнг сони сеники бўлгани
каби, бу жониворларнинг гўшти ҳам сеники бўлади. 19 Исроил халқи Менга
келтирадиган эҳсонларнинг ҳаммасини Мен сенга ва ўғил–қизларингга доимий
улуш қилиб бераман. Бу сен ва сенинг наслинг билан Менинг ўртамдаги қатъий
аҳддир.”

20 Сўнг Эгамиз Ҳорунга яна деди: “Сизлар Исроил юртида улуш олмайсизлар,
халқингиз орасида сизларга бир бўлак ер ҳам берилмайди. Зотан, Исроил халқи
орасидаги улушингиз ҳам, мулкингиз ҳам Менман.

Левиларнинг улуши

21 Левиларнинг Учрашув чодирида қилган хизмати эвазига Мен уларга Исроил
юртидаги ҳамма ушрларни* хизмат ҳақи қилиб бераман. 22 Бундан буён Исроил
халқи Учрашув чодирига яқин келмасин. Акс ҳолда, улар қилган гуноҳи учун жазо
тортиб ўладилар. 23 Левилар эса Учрашув чодирида хизмат қилиб, Чодирга
нисбатан қилинган ҳар қандай айб иш учун жавобгар бўлишади. Бу
авлодларингиз оша абадий қонун–қоида бўлсин. Левилар Исроил халқи орасида
ерни улуш қилиб олишмайди. 24 Бунинг ўрнига, Мен уларга Исроил халқининг
Менга назр қилган барча ушрларини бераман. Шу сабабли Мен, левилар Исроил
халқи орасида улуш олмайди, деб айтган эдим.”

Левиларнинг ушри

25 Эгамиз яна Мусога деди:

26 — Левиларга Менинг шу гапимни етказ: “Эгамиз Исроил халқининг ушрини
сизларга улуш қилиб берган. Сизлар ушрни олганингизда, шу ушрнинг ўндан бир
қисмини Эгамизга назр қилиб беринглар. 27 Эгамиз бу назрингизни дон билан
шаробнинг илк ҳосили ўрнида қабул қилиб олади. 28 Демак, сизлар Исроил
халқидан оладиган жамики ушрингизнинг ўндан бир қисмини Эгамизга назр
қилишингиз шарт. Ўша назрни руҳоний Ҳорунга беринглар. 29 Исроил халқидан
қабул қилган ушрнинг фақатгина энг сифатлисини Эгамизга назр қилинглар.
30 Исроил халқи Эгамизга дон билан шароб назрларини келтиргандан кейин
ҳосилнинг қолганини ўзларига қолдирадилар. Шу сингари, сизлар ҳам
ушрларнинг энг сифатлисини Эгамизга бағишлаганингиздан кейин, қолганини
ўзингизга олинглар. 31 Қолганини ўзингиз оилангиз билан ҳар қандай жойда
еб–ичишингиз мумкин. Булар Учрашув чодирида қилган хизматингиз учун
тўловдир. 32 Эгамизга ушрнинг энг сифатлисини бағишлаганингиздан кейингина
ушрнинг қолганини ейишингиз мумкин, шунда сизлар айбдор
ҳисобланмайсизлар. Шундай йўл тутсангиз, Исроил халқининг муқаддас
ҳадяларини булғамаган бўласизлар, ўзларингиз нобуд бўлмайсизлар.”

19–БОБ

Малла ғунажиннинг кули

1-2 Мусо билан Ҳорун орқали Исроил халқига Эгамиз қуйидаги қонунни берди:
сизлар бизга битта нуқсонсиз малла ғунажинни олиб келинглар. Ғунажинга
бўйинтуруқ урилмаган бўлсин. 3 Малла ғунажинни руҳоний Элазарга беринглар.
Сўнг ғунажинни қароргоҳдан ташқарига олиб чиқиб, Элазарнинг олдида
сўйинглар. 4 Руҳоний Элазар ғунажиннинг қонига бармоғини ботириб, қонни
Учрашув чодирининг олди томонига қарата етти марта сачратсин. 5 Сўнг жонивор
бутунлигича — териси, гўшти, қони, ичак–човоқлари билан бирга Элазарнинг
кўзи олдида куйдирилсин. 6 Руҳоний садр ёғочини, қирмизи ипни ва бир тутам
иссоп ўтини* олиб, куйдирилаётган ғунажин қурбонлиги устига ташласин. 7 Сўнг
руҳоний ювиниб, кийимларини ҳам ювсин. Шундан кейингина у қароргоҳга
қайтиб кириши мумкин. Лекин руҳоний кечгача ҳаром бўлади. 8 Ғунажинни ёққан
одам ҳам ювиниб, кийимларини ювсин. У ҳам кечгача ҳаром бўлади. 9 Кейин
бирорта пок одам ғунажиннинг кулини йиғиштириб, қароргоҳ ташқарисидаги
тоза жойга олиб бориб қўйсин. Исроил халқи бу кулни покланиш сувига солиб
ишлатиш учун сақласин. Бу кул одамларни гуноҳлардан поклаш маросимида
ишлатилади. 10 Ғунажиннинг кулини йиғиштирган одам ҳам кийимларини ювсин,
у ҳам кечгача ҳаром бўлади. Бу Исроил халқи учун ҳам, уларнинг орасида
яшаётган мусофирлар учун ҳам доимий қонун–қоидадир.

Мурдадан булғанган одамнинг покланиши

11 Ҳар қандай кишининг мурдасига теккан одам етти кун ҳаром бўлади.
12 Мурдага теккан одам покланиш суви билан учинчи ва еттинчи куни ўзини
покласин. Шунда у пок бўлади. Ўша одам учинчи ва еттинчи куни ўзини
покламаса, ҳаром бўлиб қолаверади. 13 Мурдага тегиб, ўзини покламаган одам
Эгамизнинг Муқаддас чодирини булғаган бўлади. Покланиш суви ўша одамнинг
устига сепилмагани учун у ҳаромлигича қолади. Бундай одам Исроил халқи
орасидан йўқ қилинсин.

14 Агар одам чодирда вафот этса, қуйидаги қоидага риоя қилинглар: ўша
пайтда чодирда бўлган ва чодирга кирган ҳамма одамлар етти кун ҳаром
бўлишади. 15 Чодирдаги қопқоғи ёпилмаган, усти очиқ ҳар қандай идиш ҳам

ҳаром бўлади. 16 Агар бирорта одам очиқ майдонда ўлдирилган ёки ўз ажали
билан ўлган кимсанинг жасадига, марҳумнинг суягига ёки қабрига тегса, у етти
кун ҳаром бўлади. 17 Ҳаром бўлган одам учун гуноҳдан поклаш мақсадида
куйдирилган малла ғунажиннинг кулидан олиб идишга солинглар, сўнг кулнинг
устига оқар сувдан қуйинглар. 18 Пок одам иссопни олиб, сувга ботирсин–да,
сувни чодирга, чодирдаги ҳамма жиҳозларга, чодирдаги одамларга сепсин.
Одамнинг суягига, марҳумга, ўлдирилган кимсанинг жасадига ёки қабрга теккан
одамнинг устига ҳам ўша сувдан сепсин. 19 Учинчи ва еттинчи кунлари пок одам
ҳаром одамга сувдан сепиб, еттинчи куни уни покласин. Покланган одам ювиниб,
кийимларини ювсин. Ана шунда кечқурунга бориб у пок бўлади.
20 Ҳаром бўла туриб ўзини покламаган ҳар қандай одам Исроил жамоаси
орасидан йўқ қилинсин. Чунки покланиш суви сепилмаган ўша одам ҳаромлигича
қолиб, Эгамизнинг Муқаддас чодирини булғаган бўлади. 21 Бу сизлар учун доимий
қонун–қоидадир. Покланиш сувини сепган одам кийимларини ювсин. Покланиш
сувига теккан ҳар қандай одам кечгача ҳаром бўлиб қолади. 22 Ҳаром одам теккан
ҳар қандай нарса ҳаромдир. Ҳаром одамга теккан одам ҳам кечгача ҳаром бўлади.

20–БОБ

Кадешдаги воқеалар

1 Биринчи ойда* бутун Исроил жамоаси Зин чўлига* етиб келди ва Кадешда*
ўрнашди. Марям ўша ерда вафот этиб, дафн қилинди.
2 У ерда жамоа учун ичишга сув йўқ эди. Шу сабабли халқ Мусо билан Ҳорунга
қарши йиғилиб, 3 Мусога таъна қила бошлашди:
— Биз ҳам қариндошларимиз билан бирга Эгамиз олдида қирилиб кетсак
бўлмасмиди–я!* 4 Нимага сизлар Эгамизнинг жамоасини мана шу саҳрога олиб
келдингизлар? Биз мол–ҳолимиз билан бирга қирилиб кетишимиз учунми?!
5 Нимага бизни Мисрдан олиб чиқиб, мана шу касофат жойга олиб келдингизлар
ўзи? Бу ерда экин экиб бўлмаса, бирорта анжир дарахти, узум ёки анорлар
бўлмаса. Бу ерда ҳатто ичишга сув ҳам топиб бўлмайди–ку!
6 Мусо билан Ҳорун жамоа олдидан кетишди. Улар Учрашув чодири
кираверишига бориб, мук тушишди. Шунда Эгамиз улуғворлигини уларга зоҳир
қилди. 7 Эгамиз Мусога деди:
8 — Таёғингни ол. Аканг Ҳорун билан биргаликда жамоани йиғинглар. Сўнг
жамоанинг кўзи олдида қояга буйруқ беринглар. Шунда қоядан сув чиқади. Шу
йўсинда сизлар қоядан сув чиқариб, жамоага ҳам, уларнинг молларига ҳам сув
берасизлар.
9 Мусо Эгамизнинг айтганини қилиб, Эгамиз ҳузуридаги таёқни олди. 10 Сўнг
Мусо билан Ҳорун жамоани қоя ёнига йиғишди. Мусо уларга:
— Қулоқ солинглар, эй исёнчилар! Мана шу қоядан биз сизларга сув чиқариб
беришимиз керакми? — деди.
11 Мусо қўлини кўтариб, қояга таёғи билан икки марта урган эди, қоядан
шариллаб сув оқди. Жамоанинг ўзи ҳам, уларнинг моллари ҳам сув ичди.
12 Шунда Мусо билан Ҳорунга Эгамиз деди:
— Менга етарлича ишонмаганингиз учун, Исроил халқига Менинг
муқаддаслигимни намоён қилмаганингиз учун бу жамоани Мен уларга берадиган
юртга сизлар бошлаб кирмайсиз.
13 Исроил халқи бу ерда Эгамиздан нолигани учун бу жой Марива* деб ном
олди. Ўша жойда Эгамиз Исроил халқига Ўзининг муқаддаслигини намоён қилди.

Исроил халқи ўтиб кетишига Эдом шоҳи ижозат бермайди

14 Мусо Кадешдан Эдом* шоҳига чопарлар орқали қуйидаги мазмунда бир
хабар жўнатди:

"Биз, Исроил халқи, сизнинг жигарингизмиз*. Бизнинг бошимизга
тушган кулфатлардан сизлар хабардорсиз. 15 Бизнинг оталаримиз Мисрга
кўчиб борган эдилар. Биз Мисрда узоқ вақт яшадик. Мисрликлар
оталаримизга ҳам, бизга ҳам зулм ўтказишди. 16 Кейин биз Эгамизга
ёлвориб илтижо қилган эдик, У бизнинг илтижоимизни эшитди. У
фариштасини жўнатиб, бизни Мисрдан олиб чиқди. Мана энди биз
Кадешда — юртингиз чегарасидаги шаҳарда турибмиз. 17 Бизга юртингиз
орқали ўтиб кетишга ижозат берсангиз. Биз экинзорларингиз ва
узумзорларингизга кирмаймиз, қудуқларингиз сувидан ичмаймиз. Сизнинг
юртингиздан ўтиб кетгунимизча, фақат Шоҳ йўлидан* юрамиз, йўлдан
ўнгга ҳам, чапга ҳам чиқмаймиз."

18 Лекин Эдом шоҳи Мусога:

"Менинг юртимдан ўта кўрма, акс ҳолда, устингга қилич яланғочлаб
бостириб бораман", деб жавоб юборди.

19 Исроил халқи эса Эдом шоҳидан илтимос қилди:

"Биз катта йўлдан кетамиз. Агар сувингиздан ўзимиз ёки молларимиз
ичса, ҳақини тўлаймиз. Биз бор–йўғи юртингиздан ўтиб кетмоқчимиз,
холос."

20 Лекин Эдом шоҳи:

"Ўтмайсизлар!" деб туриб олди.

У Исроил халқига қарши тиш–тирноғигача қуролланган катта лашкарини
бошлаб чиқди. 21 Хуллас, Эдом шоҳи Исроил халқига ўз юртидан ўтиб кетишга
ижозат бермади. Исроил халқи Эдом юртини четлаб ўтиб кетди.

Ҳоруннинг ўлими

22 Бутун Исроил жамоаси Кадешдан жўнаб, Ҳўр тоғига етиб келди. 23 Эгамиз
Мусо билан Ҳорунга Ҳўр тоғида — Эдом юрти чегарасида шундай деди:
24 — Ҳоруннинг бу оламдан кўз юмадиган вақти келди. Мен Исроил халқига
берадиган юртга у кирмайди. Чунки сизлар икковингиз Марива сувлари бўйида
Менинг амримга қарши чиқдингизлар. 25 Энди сен Ҳорун билан унинг ўғли
Элазарни Ҳўр тоғига бошлаб чиқ. 26 Ҳоруннинг устидан руҳонийлик кийимларини
ечиб олиб, ўғли Элазарга кийгиз. Ҳорун ўша ерда вафот этади.
27 Мусо Эгамиз амр бергандай қилди. Учалови Ҳўр тоғига чиқишди, бутун
жамоа буни кўриб турди. 28 Мусо Ҳоруннинг устидан кийимларини ечиб олиб,
унинг ўғли Элазарга кийгизди. Ҳорун ўша ерда — тоғ тепасида вафот этди.
Шундан сўнг Мусо билан Элазар тоғдан қайтиб тушишди. 29 Бутун жамоа
Ҳоруннинг вафот этганини билди. Жамики Исроил халқи Ҳорун учун ўттиз кун
аза тутди.

21–БОБ

Канъон халқи устидан эришилган ғалаба

1 Нагав чўлида* истиқомат қилаётган Арод шоҳи: “Исроил халқи Оторим
йўлидан келаётган экан” деган хабарни эшитиб, жангга отланди. Канъон
наслидан бўлган бу шоҳ Исроил халқи билан жанг қилиб, улардан бир нечтасини
асир олди.
2 Бу воқеадан сўнг Исроил халқи Эгамизга қасам ичиб, шундай деди:
— Эй Эгамиз! Агар Сен шу халқни бизнинг қўлимизга берсанг, уларнинг ҳамма
шаҳарларини бутунлай вайрон қиламиз.
3 Эгамиз Исроил халқининг илтижосини эшитиб, Канъон халқини уларнинг
қўлига берди. Улар Канъонликларни қириб ташлаб, шаҳарларини бутунлай
вайрон қилишди. Шунинг учун бу жойга Хўрмах* деб ном берилди.

Бронзадан ясалган илон

4 Исроил халқи Хўр тоғини тарк этиб, Эдом ерларини четлаб ўтиш учун Қизил
денгизга* борадиган йўлдан кетди. Лекин халқ йўлда кетаётиб, яна сабрсизлик
қилди. 5 Улар минғирлаб Худодан ва Мусодан нолий бошладилар:
— Нимага бизни Мисрдан олиб чиқдингизлар? Саҳрода ўлиб кетишимиз
учунми?! Бу ерда на нон бор, на сув. Мана бу бўлмағур манна меъдамизга тегиб
кетди–ку!
6 Шу воқеадан кейин Эгамиз халқ орасига заҳарли илонларни жўнатди,
илонлар Исроил халқининг кўпчилигини чақиб ўлдирди. 7 Охири халқ Мусонинг
олдига келиб:
— Биз Эгамизга ҳам, сенга ҳам қарши гапириб гуноҳ қилдик, — деди, —
Эгамизга илтижо қил, У бизнинг орамиздан илонларни даф қилсин.
Мусо халқ учун Эгамизга илтижо қилди. 8 Шунда Эгамиз Мусога деди:
— Илон ясаб, уни ходага маҳкамлаб қўй. Илон чаққан одам ўшанга қараб
тирик қолади.
9 Мусо бронзадан илонни ясаб*, уни ходага маҳкамлаб қўйди. Илон чаққан
одам бронзадан ясалган илонга қараганда, ўлмасдан тирик қоларди.

Хўр тоғидан — Мўаб водийсига

10 Исроил халқи сафарини давом эттириб, Обўтда қароргоҳ қурди. 11 Сўнг улар
Обўтдан ҳам кетиб Ивай–Аборимга қўнишди. Ивай–Аборим Мўаб юртининг
шарқидаги саҳрода жойлашган эди. 12 У ердан ҳам кетиб, Зарад сойлигида
тўхташди. 13 Сўнг яна йўлга чиқиб, Арнон сойлигининг шимолий қирғоғига —
Амор юртининг чегарасига туташ бўлган саҳрога жойлашишди. Арнон сойлиги*
Амор ва Мўаб юртларининг ўртасида чегара эди. 14 Шу сабабдан “Эгамизнинг
жангномаси” китобида* Суфа ерларидаги Воҳиб шаҳри ва сойликлар тилга
олинади. Шунингдек, Арнон сойлиги 15 ва Мўаб чегарасидаги Ор шаҳригача
чўзилган дарёнинг ирмоқлари эсланади.
16 Исроил халқи у ердан чиқиб, Бэр* деган жойдаги қудуққа йўл олди. Ўша
қудуқ ёнида Эгамиз Мусога: “Халқни йиғ, Мен уларга сув бераман”, деди.
17 Ўшанда Исроил халқи шу қўшиқни куйлади:

“Тўлиб–тош, эй қудуқ,
Қудуқ ҳақида куйланг!
18 Йўлбошчилар қазиганди бу қудуқни,
Асилзодалар ковлаганди бу қудуқни

Салтанат ҳассалари* ила,
Салтанат тамғалари ила.”

Сўнг улар саҳродан Маттоно шаҳрига йўл олдилар. 19 Маттонодан эса
Наҳалиёлга, Наҳалиёлдан Бомўтга, 20 Бомўтдан Мўаб ерларидаги водийга
боришди. Фисгах тоғ тизмаси* ёнидаги бу водийдан саҳронинг манзараси
очиларди.

Шоҳ Сихўн ва шоҳ Ўг устидан қозонилган ғалаба

21 Кейин Исроил халқи Амор халқининг шоҳи Сихўнга шу гапни айтиш учун
чопарлар жўнатди:

22 “Бизга юртингиз орқали ўтиб кетишга ижозат берсангиз. Биз
экинзорларингизга, узумзорларингизга кирмаймиз, қудуқларингиз
сувидан ичмаймиз. Сизнинг юртингиздан ўтиб кетгунча, фақат Шоҳ
йўлидан* юрамиз.”

23 Лекин Сихўн Исроил халқига ўз юртидан ўтиб кетишга ижозат бермади. У
жамики лашкарини йиғиб, саҳродаги Яхаз шаҳри ёнида Исроил халқига ҳужум
қилди. 24 Жангда Исроил халқи Сихўнни мағлуб этди ва Арнон сойлигидан
тортиб, Явоқ дарёсигача* бўлган ҳамма ерларини эгаллаб олди. Лекин Оммон
халқининг чегарасидан у ёғига ўтмади, чунки Оммон юртининг чегараси
мустаҳкам эди. 25 Исроил халқи Амор халқининг ҳамма шаҳарларини, хусусан,
Хашбон шаҳри* ва унинг атрофидаги қишлоқларни босиб олиб, ўша шаҳарларда
ўрнашиб олди. 26 Хашбон шаҳри Амор шоҳлигининг пойтахти эди. Амор шоҳи
Сихўн Мўабнинг олдинги шоҳи билан жанг қилиб, унинг Арнон сойлигигача
бўлган ҳамма ерларини босиб олган эди. 27 Шунинг учун достончилар айтишарди:

“Хашбонга келинглар, қайта қуринглар уни,
Мустаҳкам этинглар Сихўн шаҳрини.
28 Олов чиқиб кетди–ку Хашбон шаҳридан,
Аланга чиқди шоҳ Сихўннинг шаҳридан.
Ёнғин яксон қилди Мўабдаги Ор шаҳрини,
Йўқ қилди Арнон қирлари шоҳларини.
29 Ҳолингга вой, эй Мўаб халқи!
Тамом бўлдингиз, Хамўш* ихлосмандлари!
Хамўш қочқин қилди ўғилларингизни,
Амор халқининг шоҳи Сихўнга асир қилди
Сизнинг қиз–жувонларингизни.
30 Қириб ташладик биз уларни,
Хашбондан Дибонга қадар йўқ қилдик ҳаммасини.
Нўфахдан Мидавога қадар хонавайрон қилдик уларни.”

31 Шундай қилиб, Исроил халқи Амор халқининг юртида ўрнашиб олди.
32 Мусо Язир шаҳрига айғоқчилар жўнатди. Исроил халқи Язир ва унинг
атрофидаги қишлоқларни босиб олиб, у ерда истиқомат қилаётган Амор халқини
ҳайдаб чиқарди. 33 Сўнг улар Башан ўлкасига* йўл олишди. Башан шоҳи Ўг
жамики лашкарини бошлаб, Эдрей шаҳри яқинида Исроил халқи билан жанг
қилгани чиқди. 34 Шунда Эгамиз Мусога деди:
— Ўгдан қўрқма. Мен унинг ўзини, лашкарини ва бутун юртини сенинг
қўлингга берганман. Сен Ўгнинг бошига Хашбонда ҳукмронлик қилган Амор

халқининг шоҳи Сихўннинг кунини соласан.
35 Исроил халқи Ўгни, унинг ўғилларини, бутун халқини битта қолдирмай
қириб ташлади. Сўнг улар Ўгнинг юртини қўлга киритишди.

22–БОБ

Мўаб шоҳи Баломни чақиртиради

1 Исроил халқи йўлда давом этди. Мўаб текислигига етиб келиб, Ерихо
шаҳрининг рўпарасида — Иордан дарёсининг шарқида қароргоҳ қурди. 2 Исроил
халқи Амор халқини қандай аҳволга солгани ҳақидаги хабар Мўаб шоҳи — Зиппур
ўғли Болоққа ҳам етиб борган эди. 3 Исроил халқи кўплигидан бутун Мўаб халқи
қаттиқ ваҳимага тушганди. 4 Мўаб оқсоқоллари Мидиён оқсоқолларига:
— Ҳўкиз даладаги ўтларни еб битиргани сингари, анави оломон ҳам
теварак–атрофимиздаги ҳамма нарсани еб битиради–ку! — деди. Ўша даврда
Мўабда ҳукмронлик қилаётган Зиппур ўғли Болоқ, 5 Бавўр ўғли Баломни чақирай
деб, унинг олдига чопарлар жўнатди. Балом ўз она юрти, Фурот дарёси
қирғоғидаги Патўр шаҳрида истиқомат қилар эди. Болоқ Баломга шундай деб
даъват қилди:

> “Мисрдан чиққан бир халқ ер юзини босиб кетди. Энди эса улар
> шундоққина менинг биқинимда ўрнашиб олишди. 6 Мен уларга бас кела
> олмайман. Сен келиб, ўша халқни мен учун лаънатла. Балки шунда мен
> Исроил халқини мағлуб қилиб, юртимдан қувиб чиқара оларман. Шуни
> биламанки, сен кимни дуо қилсанг, ўша дуо олади, кимни лаънатласанг,
> ўша лаънати бўлади.”

7 Шундай қилиб, Мўаб ва Мидиён оқсоқоллари Баломнинг олдига борар
эканлар, унга тўланадиган лаънат ҳақини ҳам ўзлари билан олиб кетдилар. Улар
Баломнинг ҳузурига келишгач, унга шоҳ Болоқнинг гапларини айтишди.
8 — Шу ерда тунаб қолинглар, — деди Балом оқсоқолларга. — Эгамизнинг
берган жавобини мен эртага сизларга айтаман.
Мўаб оқсоқоллари Баломникида қолишди. 9 Худо Баломнинг олдига келиб,
ундан:
— Уйингдаги одамлар ким? — деб сўради.
10 Балом Худога шундай жавоб берди:
— Мўаб шоҳи Зиппур ўғли Болоқ менга қуйидагича хабар юборибди:
11 “Мисрдан чиққан бир халқ ер юзини босиб кетди, бу ёққа кел, ўша халқни мен
учун лаънатла, балки ўшандагина мен у халққа зарба бериб, ўз юртимдан қувиб
чиқара оларман.”
12 — Улар билан борма! — деди Худо Баломга. — У халқни зинҳор лаънатлай
кўрма, чунки у халққа Мен барака берганман.
13 Балом эрталаб туриб:
— Юртингизга қайтиб кетаверинглар, Эгамиз сизлар билан кетишимга
ижозат бермади, — деди Болоқнинг аъёнларига.
14 Мўаб аъёнлари Болоқ олдига қайтиб бориб: “Балом бизлар билан келишга
рози бўлмади”, дейишди.
15 Болоқ эса олдингидан ҳам кўпроқ ва обрўлироқ аъёнларини юборди. 16 Улар
Баломнинг олдига келиб, шундай дейишди:

> “Зиппур ўғли Болоқ шундай демоқда: Балом қандай қилиб бўлса ҳам

ҳузуримга келсин, [17] мен уни яхшилаб тақдирлайман, нима истаса муҳайё қиламан. Фақат келиб, ўша халқни мен учун лаънатласин.”

[18] Балом эса Болоқнинг аъёнларига шундай жавоб берди:
— Болоқ менга саройидаги ҳамма олтину кумушини берса ҳам, мен Эгам Худонинг амридан четга чиқа олмайман. Ҳатто кичик масалада ҳам ўз ихтиёрим билан иш тута олмайман. [19] Яхшиси, сизлар, олдингилар каби, бу кеча шу ерда тунаб қолинглар. Эгамиз яна нима дер экан, мен билай–чи.
[20] Шу кеча Худо Балом олдига келиб, унга деди:
— Агар бу одамлар сени ўзлари билан олиб кетгани келган бўлсалар, отлангин–у, улар билан бирга кет. Лекин сен фақат Менинг айтганимни қиласан.

Балом ва унинг эшаги

[21] Балом эрталаб турди. Эшагини эгарлаб, Мўаб аъёнлари билан бирга жўнади. [22] Балом кетганда, Худо қаттиқ ғазабланди. Эгамизнинг фариштаси Баломга қаршилик кўрсатиш учун унинг йўлини тўсиб олди. Балом эшагини миниб, ёнидаги иккита хизматкори билан йўлда кетаётган эди.
[23] Бирданига эшак йўл устида қилич яланғочлаб турган Эгамизнинг фариштасини кўриб қолди–да, йўлидан бурилиб, дала ичига кириб кетди. Балом эса эшакни йўлга солиш учун савалай бошлади. [24] Эгамизнинг фариштаси энди узумзорлар орасидан ўтган тор сўқмоқда туриб олди. Йўлнинг иккала томони ҳам девор эди. [25] Эшак Эгамизнинг фариштасини кўрди–ю, деворга қапишиб, Баломнинг оёғини қисиб қўйди. Балом яна эшакни ура бошлади.
[26] Эгамизнинг фариштаси яна олдинга ўтиб, тор жойга туриб олди. Энди эшак ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилиб кета олмас эди. [27] Эшак Эгамизнинг фариштасини кўргач, ётиб олди. Балом эса бундан қаттиқ ғазабланиб, эшакни таёғи билан савалай бошлади. [28] Шу пайт Эгамизнинг қудрати билан эшак тилга кириб:
— Мен сенга нима қилдим? Нимага сен мени уч марта урдинг? — деди Баломга.
[29] — Сен мени аҳмоқ қилдинг! — деб дўқ қилди Балом. — Агар қўлимда қиличим бўлганда эди, сени ҳозироқ чопиб ташлаган бўлар эдим.
[30] — Ахир, сен мени илгаридан миниб юрасан–ку! Мен сенинг ўша–ўша эшагингман. Олдин ҳам шунақа қилиқ қилганмидим?! — деди эшак.
— Йўқ, — деди Балом. [31] Шу он Эгамиз Баломнинг кўзини очиб юборган эди, у йўлда турган Эгамизнинг фариштасини кўриб қолди. Фаришта қўлида қиличини яланғочлаб турарди. Балом ерга мук тушди.
[32] Эгамизнинг фариштаси Баломга деди:
— Нимага сен эшагингни уч марта урдинг? Тутган йўлинг Менинг назаримда эгри бўлгани учун, Мен сенга қаршилик кўрсатиш мақсадида келдим. [33] Эшагинг эса мени кўрди–ю, уч марта ўзини четга олиб қочди. Агар у менинг олдимдан бурилиб кетмаганда эди, Мен сени ўлдириб, эшагингни тирик қолдирган бўлардим.
[34] — Гуноҳ қилдим, — деди Балом Эгамизнинг фариштасига. — Сен йўлимни тўсиб турганингни билмабман. Агар мен сенинг назарингда номаъқул иш қилаётган бўлсам, уйимга қайтиб кетаман.
[35] — Шу одамлар билан бирга боравер. Лекин сен фақат Мен айтган гапларимни гапирасан, — деди Эгамизнинг фариштаси.
Шундай қилиб, Балом Болоқнинг аъёнлари билан бирга кетаверди.

Болоқ Баломни кутиб олади

[36] Болоқ Баломнинг келаётганини эшитди–ю, уни кутиб олиш учун Ир

шаҳрига* етиб келди. Бу шаҳар Арнон сойлиги бўйида, Мўаб юртининг чегарасида жойлашган эди. 37 Болоқ Баломга деди:

— Мен сенинг олдингга бундан олдин ҳам одамларимни юборган эдим–ку! Нимага ўшанда кела қолмадинг? Ё мени, етарли даражада тақдирлай олмайди, деб ўйладингми?

38 — Мана энди келдим олдингга, — деди Балом. — Худо оғзимга солган сўзлардан бўлак мен нима ҳам айта олар эдим?!

39 Балом Болоқ билан бирга кетди. Улар Хират–Хузўт шаҳрига келишди.
40 Болоқ мол ва қўйлар сўйиб, қурбонлик қилди. Баломга ва унга ҳамроҳ бўлиб келган шоҳ аъёнларига ҳам қурбонликдан улашди.

Баломнинг биринчи башорати

41 Болоқ кейинги куни эрталаб Баломни Бомўт–Баал* тепалигига олиб чиқди. Балом у ердан туриб Исроил халқининг бир қисмини кўрди.

23–БОБ

1 Балом Болоққа деди:

— Шу ерда мен учун еттита қурбонгоҳ қуриб, еттита буқа ва еттита қўчқорни тайёрлаб қўй.

2 Болоқ Балом айтгандай қилди. Сўнг икковлари ҳар бир қурбонгоҳда биттадан буқа ва биттадан қўчқорни қурбонлик қилишди.

3 Кейин Балом Болоққа деди:

— Сен куйдирилган қурбонликларинг ёнида қол, мен эса бориб кўрай, Эгамиз менга пешвоз чиқармикин. У менга нимани аён қилса, шуни сенга айтаман.

Балом тепаликка чиқди. 4 Худо Балом билан учрашгач, Балом Худога деди:

— Мен еттита қурбонгоҳ қурдириб, ҳар бир қурбонгоҳда биттадан буқа ва биттадан қўчқорни қурбонлик қилдим.

5 Эгамиз Баломнинг оғзига сўз солиб:

— Болоқнинг олдига қайтиб бор, унга Мен айтган сўзларимни етказ, — деди.

6 Балом Болоқнинг олдига қайтиб келди. Болоқ ҳамма Мўаб аъёнлари билан бирга куйдирилган қурбонликларнинг ёнида турган эди. 7 Балом қуйидагича башорат қилди:

> “Мени Мўаб шоҳи Болоқ шарқий тоғлардан,
> Орамдан* олиб келиб, деди:
> «Кел, мен учун Ёқуб наслини лаънатла,
> Кел, Исроил халқини сен қарға!»
> 8 Худо лаънатламаганни мен қандай лаънатлайин?!
> Эгамиз қарғамаганни қандай қилиб қарғайин?!
> 9 Қоянинг тепасида туриб мен уларни кўряпман,
> Тепаликдан уларга қараб турибман,
> Яшайди бу халқ ҳаммадан алоҳида.
> Ўзгачадир улар халқлар орасида.
> 10 Қумдай сон–саноқсиз бўлган Ёқуб наслини ким санаб чиқар?!
> Исроилнинг чорагини ким ҳисоблаб чиқа олар?!
> Мен ҳам солиҳ инсон бўлиб оламдан ўтай,
> Илойим, бўлсин уларникидай охиратим бахайр.”

11 — Сен нима қиляпсан ўзи? — деди Болоқ Баломга. — Мен сени, душманларимни лаънатлайди деб, чақиртириб келган эдим, сен эса уларни дуо

қиляпсан–ку!
12 — Мен фақат Эгамиз оғзимга солган сўзни айтишим керак–ку! — деб жавоб берди Балом.

Баломнинг иккинчи башорати

13 — Кел, мен билан бирга бошқа жойга бора қол, — деди Баломга Болоқ. — Сен ўша жойдан Исроил халқининг бир қисмини кўрасан. Ўша жойдан туриб Исроилни мен учун лаънатла.
14 Болоқ Баломни Фисгах тоғ тизмаси* тепасидаги Зўфим деган ясси жойга бошлаб келди. У ерда ҳам еттита қурбонгоҳ қуриб, ҳар бир қурбонгоҳ устида биттадан буқа ва биттадан қўчқорни қурбонлик қилди. 15 Сўнг Балом Болоққа деди:
— Сен шу ерда — куйдирилган қурбонликларинг ёнида қол, мен эса ҳов анави ерга бориб, Эгамиз билан учрашиб келаман.
16 Эгамиз Баломга пешвоз чиқиб, унинг оғзига сўз солди. Сўнг:
— Болоқнинг олдига қайтиб бор, унга Мен айтган сўзларимни айт, — деди.
17 Балом Болоқнинг олдига қайтиб келди. Болоқ Мўаб аъёнлари билан бирга куйдирилган қурбонликларнинг ёнида турган эди.
— Эганг нима деди? — деб сўради ундан Болоқ. 18 Балом қуйидагича башорат қилди:

“Менга қара, эй Зиппур ўғли Болоқ,
Гапларимни эшит, яхшилаб солгин қулоқ.
19 Худо инсон эмаски, У ёлғон гапирса,
У одам эмаски, фикрини ўзгартирса.
У доим ваъдаси устидан чиқар!
Ўз айтганларин албатта бажарар!
20 Худо менга берди дуо сўзларини,
Ўзгартира олмайман мен Худонинг баракасини.
21 Мен Исроилнинг келажагини кўряпман,
Ёқуб насли бошига кулфат тушмас,
Бу халқ бирор кўргилик кўрмас.
Эгаси Худо уларнинг орасида,
Шоҳ, дея олқишлар Уни ҳамма.
22 Ёввойи буқанинг кучи билан
Худо уларни Мисрдан олиб чиққан.
23 Ёқуб наслига ҳеч қандай сеҳр–жоду таъсир қилмайди,
Исроилга қарши фолбинлик асло ўтмайди*.
Одамлар Ёқуб насли ҳақида, Исроил тўғрисида:
«Қаранглар, Худо нималарни қилган», деб айтишар.
24 Исроил халқи шер каби қўзғалар,
Арслондай сакраб турар,
Ўлжасини еб битирмагунча,
Қурбонларнинг қонига тўймагунча ётмас.”

25 Шундан сўнг Болоқ Баломга айтди:
— Исроил халқини лаънатламагин ҳам, дуо ҳам қилмагин!

Баломнинг учинчи башорати

26 Лекин Балом Болоққа:
— Мен сизга, фақат Эгамизнинг айтганини қиламан, деб айтмаганмидим?! —

деди.
27 — Юр, энди мен сени бошқа жойга олиб бораман, — деди Болоқ. — Балки
шунда Худо мамнун бўлиб, ўша ердан туриб мен учун Исроилни лаънатлашингга
йўл қўяр.
28 Болоқ Баломни Пиёр тоғининг* тепасига бошлаб олиб чиқди. Бу тоғдан
саҳронинг манзараси кўриниб турарди.
29 Балом Болоққа деди:
— Шу ерда менга еттита қурбонгоҳ қуриб, еттита буқа билан еттита қўчқорни
тайёрлаб қўй.
30 Болоқ Балом айтгандай қилиб, ҳар бир қурбонгоҳда биттадан буқа ва
биттадан қўчқорни қурбонлик қилди.

24–БОБ

1 Балом Исроилни дуо қилаётгани Эгамизга маъқул келганини кўриб, бу сафар
фол очгани бормади. У саҳро томон назар ташлаб, 2 у ерда қабила–қабила бўлиб
қароргоҳ қурган Исроил халқини кўрди. Шунда Худонинг Руҳи Баломни қамраб
олди, 3 Балом шундай башорат қилди:

“Бавўр ўғли Балом гапиряпти,
Кўзи очиқ инсон сўзлаяпти.
4 Худонинг каломини эшитган,
Қодир Худодан келган ваҳийни кўрган,
Ҳушидан айрилган, лекин кўзлари катта очиқ одам айтяпти.
5 Эй Ёқуб насли! Чодирларингиз қандай ажойиб!
Эй Исроил халқи! Маконингиз нақадар гўзал!
6 Чодиру маконларингиз пальмазор* сингари бепоён,
Бамисоли дарё бўйидаги боғ–роғлардир,
Эгамиз ўтқазган алоэга ўхшар,
Сув бўйидаги садр дарахти кабидир.
7 Уларнинг челаклари сув билан тўлиб–тошар,
Эккан уруғлари мириқиб сувга тўяр.
Исроил шоҳи Ўгахдан* устун бўлар,
Исроил шоҳлиги ғоят юксалар.
8 Ёввойи буқанинг кучи билан
Худо Мисрдан олиб чиққан уларни.
Исроил халқи ямламай ютар ғанимларини,
Уларнинг суякларини майдалаб ташлар,
Ўқлар отиб, уларни яксон этар.
9 Ана, у урғочи шердай эгилди–да, ётди.
Уни турғизишга ким журъат этар?!
Сени дуо қилганлар барака топар,
Сени лаънатлаганлар лаънати бўлар!”

10 Болоқ Баломдан қаттиқ ғазабланганидан кафтини кафтига уриб:
— Мен сени, ғанимларимни лаънатлагин деб, чақиртирган эдим. Сен эса
уларни уч марта дуо қилдинг! — деб дўқ урди. 11 — Йўқол! Уйингга жўна! Мен
сени мукофотламоқчи эдим, лекин Эганг сени мукофотдан маҳрум қилди.
12 Шунда Балом Болоққа деди:
— Менинг олдимга жўнатган чопарларингга айтмаганмидим: 13 “Болоқ менга

саройидаги ҳамма олтину кумушини берса ҳам, мен Эгамизнинг айтганидан четга чиқа олмайман. Ўз ихтиёрим билан бирор яхши ёки ёмон иш қилолмайман. Эгамиз менга нима деса, шуни айтаман", деб?! 14 Энди мен ўз халқим олдига қайтиб кетаман. Лекин кетишимдан олдин, Исроил халқи келажакда халқинг бошига қандай кунларни солишини сенга айтиб қўяй.

Баломнинг сўнгги башоратлари

15 Шундан сўнг Балом қуйидагича башорат қилди:

"Бавўр ўғли Балом гапиряпти,
Кўзи очиқ инсон сўзлаяпти.
16 Худонинг каломини эшитган,
Худойи Таолодан илму маърифат олган,
Қодир Худонинг ваҳийини кўрган,
Ҳушидан айрилган, лекин кўзлари катта очиқ одам айтяпти.
17 Уни кўряпман–у, лекин шу топда йўқ,
Унга қараяпман–у, лекин у яқин эмас.
Бир юлдуз чиқар Ёқуб наслидан,
Салтанат ҳассаси* Исроил халқидан.
Вайрон қилар у Мўаб чегараларини*,
Яксон этар Шет халқининг* ерларини*.
18 Эдом ўлжага айланар,
Ҳа, Сеир* ғанимларнинг мулки бўлар,
Исроил халқи эса зафарни қучар.
19 Ёқуб наслидан ҳукмдор чиқар,
Ир* халқини тамом қириб ташлар."

20 Сўнг Балом Омолек халқини* кўриб, улар ҳақида шундай башорат қилди:

"Халқларнинг сардоридир Омолеклар,
Лекин охири абадий ҳалокатга йўлиқар улар."

21 Кейин у Хайин халқини кўриб, улар ҳақида қуйидагича башорат қилди:

"Мустаҳкамдир сизнинг бошпанангиз,
Тоғ чўққисида жойлашган сизнинг инингиз.
22 Ошур халқи* сизни асир қилиб олиб кетажак,
Шунда Хайин халқи қирилиб йўқ бўлажак."

23 Балом яна башоратини давом эттирди:

"Эвоҳ! Худо шу ишларни амалга оширгач, ким тирик қолар?!
24 Кипрдан* сузиб келар кемалар,
Ошур ва Ибир халқларини таслим этишар.
Абадий ҳалокатга учрайди улар."

25 Шундан кейин Балом йўлга чиқиб, уйига жўнади. Болоқ ҳам ўз йўлига кетди.

25–БОБ

Исроил халқи Пиёр тоғидаги Баалга сажда қилади

1 Исроил халқи Шитимда* ўрнашганда, Исроил эркаклари Мўаб аёллари билан

зино қила бошлашди. 2 Мўаб аёллари уларни ўз худоларига бағишланган
қурбонлик зиёфатларига таклиф этишди. Исроил халқи уларнинг қурбонлигидан
тановул қилиб, худоларига ҳам сажда этди. 3 Исроил халқи Пиёр тоғидаги Баалга
қаттиқ боғланиб қолгани учун, Эгамиз улардан ғазабланди. 4 У Мусога шундай
деди:
— Бу халқнинг бошлиқларини ушла, уларни куппа–кундузи Мен, Эгангизнинг
ҳузурида қатл қил, жасадларини эса тик ўрнатилган ходанинг учига қоқтир.
Шунда Мен Исроил халқидан қаҳр–ғазабимни қайтараман.
5 Мусо Исроил ҳакамларига*:
— Пиёрдаги Баалга сажда қилган ҳар бир одамингизни ўлдиринглар, — деб
буйруқ берди.
6 Шу пайт Исроил халқидан биттаси Мусонинг ва бутун Исроил жамоасининг
кўзи олдида қароргоҳга Мидиёнлик* бир аёлни бошлаб келиб қолди. Жамоа
Учрашув чодирига кираверишда йиғлаб турган эди. 7 Руҳоний Ҳоруннинг
набираси — Элазар ўғли Финхаз буни кўрди–ю, ўрнидан туриб, жамоа орасидан
чиқиб кетди. У найзасини олиб, 8 Исроил халқидан бўлган ўша одамнинг
орқасидан чодирга кирди–да, найзаси билан икковини ҳам ўлдирди. Финхазнинг
санчган найзаси ўша одамнинг баданини тешиб ўтиб, аёлнинг қорнига кирган
эди. Шундан кейингина Исроил халқи орасидаги ўлат тўхтади. 9 Лекин ўлатдан
24.000 одам ўлиб бўлган эди.
10 Шунда Эгамиз Мусога:
11 — Руҳоний Ҳоруннинг набираси — Элазар ўғли Финхаз Менинг
қаҳр–ғазабимни Исроил халқидан қайтарди, — деди. — Исроил халқи орасида у
Менга жон куйдиргани учун, Мен ғазаб устида уларга қирғин келтирмадим. 12 Сен
унга айт: Мен Финхаз билан алоҳида тинчлик аҳдимни тузаман. 13 Бу аҳдга
мувофиқ, Финхазнинг ўзи ва унинг авлоди то абад руҳоний бўлишади, чунки у ўз
Худосига — Менга жон куйдириб, қилган иши билан Исроил халқидан Менинг
ғазабимни қайтарди.
14 Мидиёнлик аёл билан бирга ўлдирилган Исроил одамининг исми Зимри
бўлиб, Шимўн қабиласининг уруғбошиси Солунинг ўғли эди. 15 Ўлдирилган
аёлнинг исми эса Хозби эди, у Мидиёнликларнинг уруғбошиси Зурнинг қизи эди.
16 Эгамиз Мусога:
17 — Мидиён халқини душман деб билинглар, уларни қириб ташланглар! —
деди. 18 — Чунки улар сизларга душманлик қилиб, Пиёрдаги воқеа орқали
сизларни йўлдан оздиришди. Бундан ташқари, Пиёрда ўлат ҳукмронлик қилган
куни ўлган Мидиёнлик йўлбошчининг қизи Хозби орқали сизларни алдашди.

26–БОБ

Исроил халқи иккинчи марта рўйхатга олинади

1 Ўлатдан сўнг Эгамиз Мусо билан руҳоний Ҳорун ўғли Элазарга деди:
2 “Жамики Исроил халқининг урушга яроқли бўлган йигирма ва ундан юқори
ёшдаги ҳамма эркакларини хонадони бўйича санаб чиқинглар.”
3 Бу пайтда Исроил халқи Мўаб текислигида, Ерихо шаҳри рўпарасидаги
Иордан дарёси бўйида қароргоҳ қурган эди. Мусо билан руҳоний Элазар халққа:
4 “Эгамиз бизга амр қилгандай йигирма ёшдан юқори бўлган эркакларини санаб
чиқинглар”, деб айтишди. Миср юртидан чиққан жамики Исроил халқининг
рўйхати қуйидагича эди:

5 Рубен Исроилнинг* тўнғичидир. Рубен ўғилларидан келиб чиққан
уруғлар мана шулардир: Ханўхдан Ханўх уруғи, Паллувдан Паллув уруғи,
6 Хазрондан Хазрон уруғи, Кармидан Карми уруғи келиб чиққан. 7 Рубен
уруғлари мана шулардан иборатдир. Улар саналганда, 43.730 киши чиқди.
8 Паллувнинг Элиёб деган ўғли бор эди, 9 Элиёбнинг эса Намувол, Датан
ва Абурам деган ўғиллари бор эди. Датан ва Абурам Исроил йўлбошчилари
эди. Кўрахнинг издошлари Эгамизга қарши исён кўтаришганда*, Датан ва
Абурам ҳам уларга қўшилишиб, Мусо билан Ҳорунга қарши бош кўтарган
эдилар. 10 Ер ёрилиб, Кўрах билан бирга уларни ҳам ютиб юборганди. Ўша
куни аланга Кўрахнинг 250 нафар издошини куйдириб йўқ қилганди. Мана
шу воқеа халққа огоҳлантириш эди. 11 Лекин Кўрахнинг ўғиллари ўша куни
омон қолди.

12 Шимўн ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Намуволдан
Намувол уруғи, Ёминдан Ёмин уруғи, Ёхиндан Ёхин уруғи, 13 Зерахдан
Зерах уруғи, Шовулдан Шовул уруғи келиб чиққан. 14 Шимўн уруғлари мана
шулардан иборатдир. Улар саналганда, 22.200 киши чиқди.

15 Гад ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Зафўндан Зафўн
уруғи, Хагидан Хаги уруғи, Шунодан Шуно уруғи, 16 Ознахдан Ознах уруғи,
Еридан Ери уруғи, 17 Арўддан Арўд уруғи, Эралидан Эрали уруғи келиб
чиққан. 18 Гад уруғлари мана шулардан иборатдир. Улар саналганда, 40.500
киши чиқди.

19-20 Яҳудо ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Шелодан
Шело уруғи, Параздан Параз уруғи, Зерахдан Зерах уруғи келиб чиққан.
Яҳудонинг икки ўғли Ғур ва Ўнан Канъон юртида оламдан ўтган эдилар*.
21 Параздан келиб чиққан уруғлар шулардир: Хазрондан Хазрон уруғи,
Хомулдан Хомул уруғи келиб чиққан. 22 Яҳудо уруғлари мана шулардан
иборатдир. Улар саналганда, 76.500 киши чиқди.

23 Иссахор ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Тўлодан Тўло
уруғи, Пувахдан Пувах уруғи, 24 Ёшувдан Ёшув уруғи, Шимрондан Шимрон
уруғи келиб чиққан. 25 Иссахор уруғлари мана шулардан иборатдир. Улар
саналганда, 64.300 киши чиқди.

26 Забулун ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Сареддан
Саред уруғи, Элўндан Элўн уруғи, Яхлиёлдан Яхлиёл уруғи келиб чиққан.
27 Забулун уруғлари мана шулардан иборатдир. Улар саналганда, 60.500
киши чиқди.

28 Юсуфнинг ўғиллари Манаше ва Эфрайимдан келиб чиққан уруғлар
қуйидагилардир:

29 Манашедан келиб чиққан уруғлар шулардир: Мохирдан Мохир уруғи
келиб чиқди. Гилад уруғи Мохирнинг ўғли Гиладдан келиб чиққан.
30 Гиладдан келиб чиққан уруғлар қуйидагичадир: Язардан Язар уруғи,
Халекдан Халек уруғи, 31 Осриёлдан Осриёл уруғи, Шакамдан Шакам уруғи,
32 Шамидодан Шамидо уруғи, Хафердан Хафер уруғи келиб чиққан. 33 Хафер
ўғли Залофходнинг ўғли йўқ, қизлари бор эди, холос. Залофход
қизларининг исмлари Махло, Нуваҳ, Хўглах, Милхо ва Тирза эди. 34 Манаше

уруғлари мана шулардан иборатдир. Улар саналганда, 52.700 киши чиқди.

35 Эфрайим ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Шуталахдан
Шуталах уруғи, Бохирдан Бохир уруғи, Тахандан Тахан уруғи келиб чиққан.
36 Шуталах ўғли Ирондан Ирон уруғи келиб чиққан. 37 Эфрайим уруғлари
мана шулардан иборатдир. Улар саналганда, 32.500 киши чиқди.

Юсуф насли ана шулардан иборатдир.

38 Бенямин ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Белахдан
Белах уруғи, Ошболдан Ошбол уруғи, Охирамдан Охирам уруғи,
39 Шафуфамдан Шафуфам уруғи, Хуфамдан Хуфам уруғи келиб чиққан.
40 Белахнинг ўғиллари Ард ва Нўъмондан келиб чиққан уруғлар шулардир:
Арддан Ард уруғи, Нўъмондан Нўъмон уруғи келиб чиққан. 41 Бенямин
уруғлари мана шулардан иборатдир. Улар саналганда, 45.600 киши чиқди.

42 Дан ўғли Хушимдан Хушим* уруғи келиб чиққан. Дан уруғлари
шулардан иборатдир: 43 бутун Дан насли Шухом уруғидан ташкил топган
эди. Улар саналганда, 64.400 киши чиқди.

44 Ошер ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Йимнахдан
Йимнах уруғи, Йишвидан Йишви уруғи, Бариёдан Бариё уруғи келиб
чиққан. 45 Бариё ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Хабердан
Хабер уруғи, Малхиёлдан Малхиёл уруғи келиб чиққан. 46 Ошернинг Серах
деган қизи ҳам бор эди. 47 Ошер уруғлари мана шулардан иборатдир. Улар
саналганда, 53.400 киши чиқди.

48 Нафтали ўғилларидан келиб чиққан уруғлар шулардир: Яхзиёлдан
Яхзиёл уруғи, Гўнодан Гўно уруғи, 49 Изардан Изар уруғи, Шиллемдан
Шиллем уруғи келиб чиққан. 50 Нафтали уруғлари мана шулардан
иборатдир. Улар саналганда, 45.400 киши чиқди.

51 Шундай қилиб, Исроил халқининг ҳамма эркаклари саналганда, 601.730
киши чиқди.

52 Эгамиз Мусога деди: 53 “Ерни одамларнинг сонига қараб қабилаларга мулк
қилиб бўлиб бер. 54 Катта қабилага каттароқ улуш бер, кичик қабилага кичикроқ
улуш бер. Ҳар бир қабилага рўйхатга олинган одамларнинг миқдорига қараб
улуш берилсин. 55 Ерни қабилаларга рўйхатдаги одамларнинг сонига қараб бўлиб
бераётганингизда, қуръа ташланглар*. 56 Ҳар бир қабиланинг улуши қабиланинг
катта–кичиклигига қараб қуръа бўйича тақсимлансин.”
57 Леви қабиласининг рўйхати эса, уруғлари бўйича, қуйидагичадир:

Гершондан Гершон уруғи, Қоҳотдан Қоҳот уруғи, Мароридан Марори
уруғи келиб чиққан. 58 Бу уруғлардан: Лубнах уруғи, Хеврон уруғи, Махли
уруғи, Муши уруғи, Кўрах уруғи келиб чиққан.
Қоҳот Имромнинг отаси эди. 59 Имромнинг хотини эса Йўхавад деган
аёл эди. Йўхавад Левининг қизи бўлиб, у Мисрда туғилган эди. Йўхавад
Имромга икки ўғил — Ҳорун ва Мусони ҳамда бир қиз — Марямни туғиб
берди. 60 Ҳоруннинг Надов, Абиҳу, Элазар, Итамар деган ўғиллари бор эди.
61 Надов ва Абиҳу Эгамиз амр этмаган оловни Унинг ҳузурига олиб

келганлари учун нобуд бўлган эдилар*.

62 Шундай қилиб, Леви қабиласининг бир ойлик ўғил болаларидан тортиб,
катта ёшдаги эркакларигача саналганда, 23.000 киши чиқди. Левиларга Исроил
халқи орасида улуш берилмагани учун, улар Исроил халқи қаторида рўйхатга
олинмаган эди.
63 Мусо билан руҳоний Элазар Мўаб текислигида, Ерихо шаҳри рўпарасидаги
Иордан дарёси бўйида рўйхатга олган Исроил халқи ана шулардан иборат эди.
64 Мусо билан руҳоний Ҳорун Синай саҳросида рўйхатга олган одамларнинг
бирортаси бу рўйхатга кирмади, 65 чунки Эгамиз Исроил халқининг ўша авлодига:
“Сизлар саҳрода ўлиб кетасизлар”, деб айтганди*. Улардан фақат Натан ўғли
Холиб ва Нун ўғли Ёшуа тирик қолган эди.

27–БОБ

Залофходнинг қизлари

1-2 Бир куни Залофходнинг қизлари Учрашув чодири кираверишига келишди.
Залофход Хафернинг ўғли, Гиладнинг невараси, Мохирнинг эвараси, Юсуф ўғли
Манашенинг чевараси эди. Хуллас, Залофход Манаше уруғидан эди. Залофход
қизларининг исмлари Махло, Нуваҳ, Хўглах, Милхо ва Тирза эди. Улар Мусо,
руҳоний Элазар, йўлбошчилар ва бутун жамоанинг олдида туриб шундай
дейишди:
3 — Отамиз саҳрода вафот этди. У Эгамизга қарши йиғилган Кўрахнинг
тўдасига шерик бўлмаган, ўз гуноҳи туфайли оламдан ўтди. Отамизнинг ўғли йўқ.
4 Ўғли бўлмагани учун отамизнинг номи уруғи орасидан ўчиб кетиши керакми?
Бизга ҳам амакиларимиз қатори ерни мулк қилиб беринглар.
5 Мусо уларнинг талабини Эгамизга айтди. 6 Эгамиз шундай жавоб қайтарди:
7 — Залофходнинг қизлари ҳақ гапни айтишяпти. Уларга албатта амакилари
қатори ерни мулк қилиб беринглар. Отасининг улуши қизларига берилсин.
8 Исроил халқига ҳам шундай деб уқтир. Агар бирор киши вафот этса–ю, ўғли
бўлмаса, унинг мулки қизига қолсин. 9 Агар қизи ҳам бўлмаса, у одамнинг мулки
ака–укаларига қолсин. 10 Борди–ю, марҳумнинг ака–укалари ҳам бўлмаса, унинг
мулки амакиларига қолсин. 11 Агар марҳумнинг амакилари ҳам бўлмаса, унинг
мулки уруғидаги энг яқин қариндошига қолсин. Ўша қариндоши меросхўр
бўлсин. Сен орқали, Мен, Эгангиз, берган бу амр Исроил халқи учун қонун бўлиб
қарор топсин.

Ёшуа Мусонинг вориси қилиб танланади

12 Эгамиз яна Мусога деди:
— Аборим тизмасидаги* анави тоққа чиқиб, Мен Исроил халқига берадиган
юртга қара. 13 Ўша юртни кўрганингдан кейин, аканг Ҳорун сингари оламдан
ўтасан*. 14 Чунки жамоа Зин чўлида Мендан нолиганда, сизлар икковингиз
Менинг амримга қарши исён қилган эдингизлар. Марива сувлари бўйида
жамоанинг кўзи олдида Менинг муқаддаслигимни намоён қилмадингизлар*.
(Ўша Марива сувлари* Зин чўлидаги Кадеш яқинидадир.)
15 Мусо Эгамизга деди:
16 — Эй Эгам, одамзод руҳларининг Худоси, жамоа устидан бир одамни
тайинла. 17 У халқни жангларга бошлаб борсин, токи Сенинг жамоанг чўпонсиз
қўйдай бўлиб қолмасин.
18 Шунда Эгамиз Мусога:

— Нун ўғли Ёшуани ёнингга ол, — деди. — Унда Менинг Руҳим бор*. Ёшуага қўлингни қўй*. 19 Кейин уни руҳоний Элазарнинг ва бутун жамоанинг олдида турғизиб, халқ йўлбошчиси этиб тайинла. 20 Бутун Исроил жамоаси унга итоат қилиши учун Ёшуага ўз салоҳиятингдан бер. 21 Ёшуа ҳамма ишни Элазар билан бамаслаҳат қилсин. Элазар Урим орқали Ёшуа учун Менинг иродамни билиб берсин*. Ёшуа ва бутун Исроил жамоаси ҳамма вазиятда шунга қараб иш тутсин.
22 Эгамиз амр этгандай, Мусо Ёшуани руҳоний Элазар ва бутун жамоанинг олдида тик турғизиб қўйди. 23 Сўнг Эгамизнинг Мусога берган амрига мувофиқ, қўлини Ёшуага қўйиб, Исроил халқининг йўлбошчиси қилиб тайинлади.

28–БОБ

Доимий назрлар

1 Эгамиз Мусога айтди: 2 “Исроил халқига шундай деб буюр: улар таом назрларини Менга ҳар доим белгиланган вақтда келтиришсин. Куйдириладиган бу назрлардан Менга ёқимли ҳид келади.” 3 Эгамиз давом этиб, Исроил халқига оловда куйдириладиган назрлар тўғрисида қуйидаги қонунларни етказ, деб Мусога амр берди: “Ҳар куни иккита нуқсонсиз бир ёшли қўчқор қўзини Эгамизга кунда куйдириладиган қурбонлик қилинглар. 4 Битта қўзини эрталаб, иккинчисини кечқурун қурбонлик қилинглар. 5 Ҳар бир қўзига қўшиб, икки коса* тоза зайтун мойи аралаштирилган тўрт коса* сифатли унни дон назри қилиб келтиринглар. 6 Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун оловда кунда куйдириладиган қурбонликлар илк бор Синайда жорий қилинган эди. 7 Ҳар бир қўзига қўшиб икки коса шароб назрини ҳам келтиринглар. Шаробни Эгамизга атаб Муқаддас чодирда назр қилиб қуйинглар. 8 Иккинчи қўзини кечқурун қурбонлик қилинглар. Эрталабки қурбонлик сингари, бу қурбонликка қўшиб, белгиланган миқдорда дон билан шароб назри қилинглар. Оловда куйдириладиган бу қурбонликлардан Эгамизга ёқимли ҳид боради.

Шаббат кунида қилинадиган назрлар

9 Шаббат куни эса иккита бир ёшли нуқсонсиз қўчқор қўзини қурбонлик қилинглар. Бу қурбонликлар билан бирга белгиланган миқдорда шароб назрини ва зайтун мойи аралаштирилган саккиз коса* сифатли унни дон назри қилиб келтиринглар. 10 Бу куйдириладиган қурбонликларни ҳар Шаббатда кунда куйдириладиган қурбонликлардан ва унга қўшиб қилинадиган шароб назридан ташқари келтиринглар.

Ойнинг биринчи кунида қилинадиган назр

11 Ҳар ойнинг бошида иккита буқани, битта қўчқорни ва еттита бир ёшли қўчқор қўзини Эгамизга атаб куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Ҳамма жониворлар нуқсонсиз бўлсин. 12 Бу қурбонликларга қўшиб қуйидаги миқдорда зайтун мойи аралаштирилган сифатли унни дон назри қилиб келтиринглар: ҳар бир буқа билан ўн икки коса* ун, қўчқор билан саккиз коса ун, 13 ҳар бир қўчқор қўзи билан тўрт коса ун. Оловда куйдириладиган бу қурбонликлардан Эгамизга ёқимли ҳид боради. 14 Ҳар бир буқа билан тўрт коса* шароб, ҳар бир қўчқор билан уч коса* шароб, ҳар бир қўчқор қўзи билан эса икки коса* шаробни назр қилинглар. Бу куйдириладиган назрларни ҳар ойнинг биринчи кунида адо этинглар. 15 Бундан ташқари, битта такани Эгамизга гуноҳ қурбонлиги қилинглар. Бу ҳамма қурбонлигу назрларни кунда куйдириладиган қурбонликлар* ва уларга қўшиб қилинадиган шароб назридан ташқари

келтиринглар.

Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрамида қилинадиган назрлар

16 Биринчи ойнинг* ўн тўртинчи куни Эгамизга бағишланган Фисиҳ
зиёфатини* нишонланглар. 17 Ўн бешинчи куни эса етти кунлик байрам
бошланади, сизлар етти кун давомида хамиртурушсиз нон ейишларингиз лозим.
18 Байрамнинг биринчи куни бутун халқ муқаддас йиғинга келсин. Ҳар кунги
ишларингиз билан машғул бўлманглар. 19 Эгамизга атаб иккита буқани, битта
қўчқорни ва еттита бир ёшли қўчқор қўзини оловда куйдириладиган қурбонлик
қилинглар. Ҳамма жониворлар нуқсонсиз бўлсин. 20 Бу қурбонликларга қўшиб
қуйидаги миқдорда зайтун мойи аралаштирилган сифатли унни дон назри қилиб
келтиринглар: ҳар бир буқа билан ўн икки коса ун, қўчқор билан саккиз коса ун,
21 ҳар бир қўчқор қўзи билан тўрт коса ун. 22 Ўзларингизни гуноҳдан поклаш учун
такани гуноҳ қурбонлиги қилинглар. 23-24 Бу назрларни кунда эрталаб
куйдириладиган қурбонликдан* ташқари, етти кун давомида келтиринглар. Бу
таом назрларини Эгамизга ёқимли ҳид бўлиши учун оловда куйдиринглар. Булар
кунда куйдириладиган қурбонликлар ва уларга қўшиб қилинадиган шароб
назридан ташқари келтирилсин. 25 Байрамнинг еттинчи куни ҳам муқаддас йиғин
ўтказинглар. Ҳар кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар.

Ҳосил байрамида қилинадиган назрлар

26 Ҳосил байрамининг* биринчи куни, Эгамизга янги ҳосилингизнинг донини
назр қилганингизда, бутун халқ муқаддас йиғинга келсин. Ҳар кунги ишларингиз
билан машғул бўлманглар. 27 Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун иккита буқа,
битта қўчқор, еттита бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган қурбонлик
қилинглар. 28 Бу қурбонликларга қўшиб қуйидаги миқдорда зайтун мойи
аралаштирилган сифатли унни дон назри қилиб келтиринглар: ҳар бир буқа
билан ўн икки коса ун, қўчқор билан саккиз коса ун, 29 ҳар бир қўчқор қўзи билан
тўрт коса ун. 30 Ўзларингизни гуноҳдан поклаш учун битта такани қурбонлик
қилинглар. 31 Бу назрларни ва уларга қўшиб қилинадиган шароб назрини кунда
куйдириладиган қурбонликлардан* ва уларга қўшиб қилинадиган дон назридан
ташқари келтиринглар. Қурбонлик қилинадиган ҳамма жониворларингиз
нуқсонсиз бўлсин.

29–БОБ

Карнай байрамида қилинадиган назрлар

1 Еттинчи ойнинг* биринчи кунида бутун халқ муқаддас йиғинга келсин, ҳар
кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар. Ўша куни карнайлар чалинсин.
2 Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун битта буқани, битта қўчқорни ва еттита бир
ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар
нуқсонсиз бўлсин. 3 Қурбонликларга қўшиб қуйидаги миқдорда зайтун мойи
аралаштирилган сифатли унни дон назри қилиб келтиринглар: буқа билан ўн
икки коса* ун, қўчқор билан саккиз коса* ун, 4 ҳар бир қўчқор қўзи билан тўрт
коса* ун. 5 Ўзларингизни гуноҳлардан поклаш учун битта такани гуноҳ
қурбонлиги қилинглар. 6 Бу назрлар ҳар ойнинг бошида ва кунда куйдириладиган
қурбонликлардан*, уларга қўшиб, белгиланган миқдорда қилинадиган дон билан
шароб назрларидан ташқари келтирилсин. Булар Эгамизга ёқимли ҳид бориши
учун оловда куйдирилсин.

Покланиш кунида қилинадиган назрлар

7 Еттинчи ойнинг* ўнинчи куни ҳам бутун халқ муқаддас йиғинга келсин. Шу
куни рўза тутинглар, ҳеч қандай иш қилманглар. 8 Эгамизга ёқимли ҳид бориши
учун битта буқани, битта қўчқорни ва еттита бир ёшли қўчқор қўзини
куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз бўлсин. 9 Бу
қурбонликларга қўшиб қуйидаги миқдорда зайтун мойи аралаштирилган
сифатли унни дон назри қилиб келтиринглар: буқа билан ўн икки коса ун, қўчқор
билан саккиз коса ун, 10 ҳар бир қўчқор қўзи билан тўрт коса ун. 11 Битта такани
гуноҳ қурбонлиги қилинглар. Бу назрлар гуноҳлардан поклаш қурбонлигидан ва
унга қўшиб қилинадиган шароб назридан ҳамда кунда куйдириладиган
қурбонликлару* уларга қўшиб қилинадиган дон билан шароб назрларидан
ташқари келтирилсин.

Чайла байрамида қилинадиган назрлар

12 Еттинчи ойнинг* ўн бешинчи куни ҳам бутун халқ муқаддас йиғинга келсин.
Ҳар кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар. Етти кун давомида Эгамизга
атаб байрам қилинглар.
13 Биринчи куни Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун ўн учта буқани, иккита
қўчқорни ва ўн тўртта бир ёшли қўчқор қўзини оловда куйдириладиган
қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз бўлсин. 14 Бу қурбонликларга
қўшиб қуйидаги миқдорда зайтун мойи аралаштирилган сифатли унни дон назри
қилиб келтиринглар: ҳар бир буқа билан ўн икки коса ун, ҳар бир қўчқор билан
саккиз коса ун, 15 ҳар бир қўчқор қўзи билан тўрт коса ун. 16 Битта такани гуноҳ
қурбонлиги қилинглар. Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар* ва
уларга қўшиб қилинадиган дон, шароб назридан ташқари келтирилсин.
17 Иккинчи куни ўн иккита буқани, иккита қўчқорни ва ўн тўртта бир ёшли
қўчқор қўзини куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз
бўлсин. 18 Ҳар бир буқа, қўчқор ва қўчқор қўзига қўшиб, белгиланган миқдорда
дон билан шароб назрларини келтиринглар. 19 Битта такани гуноҳ қурбонлиги
қилинглар. Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар ва уларга қўшиб
қилинадиган дон билан шароб назридан ташқари келтирилсин.
20 Учинчи куни ўн битта буқани, иккита қўчқорни ва ўн тўртта бир ёшли
қўчқор қўзини куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз
бўлсин. 21 Ҳар бир буқа, қўчқор ва қўчқор қўзига қўшиб, белгиланган миқдорда
дон билан шароб назрларини келтиринглар. 22 Битта такани гуноҳ қурбонлиги
қилинглар. Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар ва уларга қўшиб
қилинадиган дон билан шароб назридан ташқари келтирилсин.
23 Тўртинчи куни ўнта буқани, иккита қўчқорни ва ўн тўртта бир ёшли қўчқор
қўзини куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз бўлсин.
24 Ҳар бир буқа, қўчқор ва қўчқор қўзига қўшиб, белгиланган миқдорда дон билан
шароб назрларини келтиринглар. 25 Битта такани гуноҳ қурбонлиги қилинглар.
Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар ва уларга қўшиб қилинадиган
дон билан шароб назридан ташқари келтирилсин.
26 Бешинчи куни тўққизта буқани, иккита қўчқорни ва ўн тўртта бир ёшли
қўчқор қўзини куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз
бўлсин. 27 Ҳар бир буқа, қўчқор ва қўчқор қўзига қўшиб, белгиланган миқдорда
дон билан шароб назрларини келтиринглар. 28 Битта такани гуноҳ қурбонлиги
қилинглар. Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар ва уларга қўшиб
қилинадиган дон билан шароб назридан ташқари келтирилсин.
29 Олтинчи куни саккизта буқани, иккита қўчқорни ва ўн тўртта бир ёшли

қўчқор қўзини куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз бўлсин. 30 Ҳар бир буқа, қўчқор ва қўчқор қўзига қўшиб, белгиланган миқдорда дон билан шароб назрларини келтиринглар. 31 Битта такани гуноҳ қурбонлиги қилинглар. Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар ва уларга қўшиб қилинадиган дон билан шароб назридан ташқари келтирилсин.

32 Еттинчи куни еттита буқани, иккита қўчқорни ва ўн тўртта бир ёшли қўчқор қўзини куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз бўлсин. 33 Ҳар бир буқа, қўчқор ва қўчқор қўзига қўшиб, белгиланган миқдорда дон билан шароб назрларини келтиринглар. 34 Битта такани гуноҳ қурбонлиги қилинглар. Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар ва уларга қўшиб қилинадиган дон билан шароб назридан ташқари келтирилсин.

35 Саккизинчи куни эса бутун халқ муқаддас йиғинга келсин, ҳар кунги ишларингиз билан машғул бўлманглар. 36 Эгамизга ёқимли ҳид бориши учун битта буқани, битта қўчқорни ва еттита бир ёшли қўчқор қўзини оловда куйдириладиган қурбонлик қилинглар. Жониворлар нуқсонсиз бўлсин. 37 Ҳар бир буқа, қўчқор ва қўчқор қўзига қўшиб, белгиланган миқдорда дон билан шароб назрларини келтиринглар. 38 Битта такани гуноҳ қурбонлиги қилинглар. Бу назрлар кунда куйдириладиган қурбонликлар* ва уларга қўшиб қилинадиган дон билан шароб назридан ташқари келтирилсин.

39 Байрамларда Эгамизга атаб куйдириладиган қурбонлик, тинчлик қурбонлиги, дон билан шароб назрлари шулардан иборатдир. Булар берган ваъдангизга мувофиқ қилинадиган назр ва кўнгилдан чиқариб бериладиган назрлардан ташқари келтирилади.”

30–БОБ

1 Шундай қилиб, Эгамиз, етказ, деб буюрган ҳамма қонунларни Мусо Исроил халқига айтди.

Ваъда ҳақида қоидалар

2 Мусо Исроил йўлбошчиларига Эгамиз берган қуйидаги қонунларни ҳам айтиб берди: 3 агар бирорта эркак киши Эгамизга ваъда берган бўлса ёки бирор нарсадан ўзини тийишга қасам ичган бўлса, айтганларининг ҳаммасини бажарсин. У сўзидан қайтмасин.

4 Агар қиз бола отасининг уйида яшаб юрган даврда Эгамизга ваъда берса ёки ўзини бирор нарсадан тийишга қасам ичса, 5 отаси қизининг берган ваъдаси ёки ичган қасамини эшитиб индамаса, қиз бола айтганларининг ҳаммасини бажариши шарт. 6 Борди–ю, отаси буларни эшитганда эътироз билдирса, қизнинг берган ваъдаси ёки ичган қасами бекор қилинади. Отаси қизига эътироз билдиргани учун, Эгамиз қизни берган ваъдаси ёки ичган қасамидан озод қилади.

7 Агар қиз ваъда бергандан кейин ё ўйламасдан қасам ичиб қўйгандан кейин турмушга чиқса, 8 унинг эри бу ҳақда эшитиб индамаса, қиз айтганларининг ҳаммасини бажариши шарт. 9 Лекин эр бу ҳақда эшитиб эътироз билдирса, эр хотинининг берган ваъдаси ва ўйламасдан ичган қасами асосидаги мажбуриятларини бекор қилган бўлади. Эгамиз хотинни ўша мажбуриятлардан озод қилади. 10 Бева ёки эридан ажралган аёл берган ҳамма ваъдалари ва ўзини бирор нарсадан тиймоқчи бўлиб, ичган қасамлари устидан чиқиши лозим. 11 Агар турмушга чиққан аёл ваъда берса ёки ўзини бирор нарсадан тийишга қасам ичса, 12 эри бу ҳақда эшитиб индамаса, хотинига эътироз билдирмаса, аёл айтганларининг ҳаммасини бажариши шарт. 13 Лекин эр бу ҳақда эшитиб уларни

тақиқласа, хотиннинг оғзидан чиққан ҳамма ваъдалару қасамлар бекор қилинади. Эр уларни тақиқлагани учун, Эгамиз аёлни берган ваъдаси ёки ичган қасамидан озод қилади. 14 Шундай қилиб, эр хотинининг ҳар қандай ваъдаси ёки қасамини бажаришига ижозат бериши ёки тақиқлаши мумкин. 15 Агар эр бир кун ичида* хотинига ҳеч қандай эътироз билдирмаса, хотини ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришига ижозат берган ҳисобланади. 16 Аммо бир кун ўтгандан кейин уларни бекор қилса, хотинининг гуноҳи учун эри жазо тортади.

17 Эгамиз Мусога берган эр ва хотин ўртасидаги, ота ва ҳали отасининг хонадонида яшаётган қиз ўртасидаги муносабатларга оид қонунлар ана шулардан иборатдир.

31–БОБ

Исроил халқи Мидиён халқи билан жанг қилади

1 Эгамиз Мусога деди:

2 — Исроил халқи учун Мидиёнлардан қасос ол*. Ўшандан сўнг сен оламдан кўз юмасан.

3 Шундан кейин Мусо халққа айтди:

— Одамларингизнинг бир қисмини қуроллантиринглар. Улар Мидиён халқи билан жанг қилиб, улардан Эгамизнинг қасосини олишсин. 4 Ҳар бир Исроил қабиласидан мингтадан одамни урушга жўнатинглар.

5 Ҳар бир Исроил қабиласидан мингтадан одам танлаб олинди, жами ўн икки минг одам қуролланиб жангга шай бўлди. 6 Мусо уларни ва улар билан бирга Элазар ўғли руҳоний Финхазни урушга жўнатди. Финхаз ўзи билан муқаддас ашёларни* ва карнайларни олиб кетди. Бу карнайлар хатардан дарак бериш учун чалинарди.

7 Эгамиз Мусога амр қилгандай, Исроил сипоҳлари Мидиёнлар билан жанг қилишди. Улар Мидиён халқининг бутун эркак зотини қириб ташлашди.
8 Мидиён халқининг бешала шоҳини — Эви, Рахем, Зур, Хур, Рабани ҳам бошқалар қатори ўлдириб юборишди. Бавўр ўғли Баломни ҳам қиличдан ўтказишди*.
9 Мидиён халқининг аёлларию болаларини асир қилиб, жамики подаларини, сурувларини ва мол–мулкини ўлжа қилиб олишди. 10 Мидиён халқи истиқомат қилган ҳамма шаҳару қароргоҳларга ўт қўйишди. 11 Олган ҳамма ўлжаларини — одамидан тортиб, молигача 12 қароргоҳга — Мусо, руҳоний Элазар ва Исроил жамоаси ҳузурига олиб келишди. Қароргоҳ Мўаб текислигида, Ерихо шаҳри рўпарасидаги Иордан дарёси бўйида жойлашган эди.

13 Мусо, руҳоний Элазар ва жамоанинг ҳамма йўлбошчилари уларни кутиб олиш учун қароргоҳдан ташқарига чиқишди. 14 Мусо урушдан қайтиб келган мингбоши ва юзбошилардан қаттиқ ғазабланди.

15 — Нимага ҳамма аёлларни тирик қолдирдингиз? — деб сўради улардан Мусо. 16 — Баломнинг маслаҳати билан Пиёр тоғида* Исроил халқини Эгамизга хиёнат қилишга ундаган шулар–ку! Ўшаларнинг дастидан Эгамизнинг жамоаси орасида ўлат пайдо бўлган эди! 17 Қани, бўлинглар, ҳамма ўғил болаларни ва эр кўрган аёлларни ўлдиринглар. 18 Фақат эр кўрмаган қизларни ўзингиз учун тирик қолдиринглар. 19 Сўнг етти кун давомида қароргоҳдан ташқарида бўлинглар. Қайси биригиз одам ўлдирган ёки жасадга қўл теккизган бўлсангиз, учинчи ва еттинчи кунлари покланинглар. Сизлар билан бирга асирлар ҳам покланишсин.
20 Ҳамма кийимларни, барча чарм ва ёғоч буюмларни, эчки жунидан тўқилган ҳамма нарсаларни покланглар.

21 Руҳоний Элазар урушга борган сипоҳларга деди:
— Мусога Эгамиз амр этган қонун шундан иборат: 22 олтин, кумуш, бронза,
темир, қалай ва қўрғошинни, 23 хуллас, оловда ёнмайдиган ҳамма нарсани
оловдан ўтказиб покланглар. Бундан ташқари, покланиш суви* билан ҳам
покланглар. Оловда ёнадиган буюмларни эса сувнинг ўзи билан покланглар.
24 Еттинчи куни кийимларингизни ювинглар. Шунда пок бўласизлар. Кейин
қароргоҳга кирсангиз бўлади.

Ўлжаларнинг тақсимланиши

25 Эгамиз яна Мусога айтди:
26 — Сен, руҳоний Элазар ва жамоанинг уруғбошилари асир олинган
одамларни, ўлжа қилинган ҳайвонларни ҳисоблаб чиқинглар. 27 Асиру ўлжаларни
тенг икки қисмга бўлиб, бир қисмини урушга борган сипоҳларга, иккинчи
қисмини бутун жамоага беринглар. 28 Урушга борган сипоҳлар улушидан Мен —
Эгангиз учун улуш ажратинглар. Асирлар, мол, эшак, қўй ва эчкиларнинг ҳар беш
юзтасидан биттасини Менга улуш қилиб беринглар. 29 Сипоҳлардан олинган бу
улушни Менга қилинган назр сифатида руҳоний Элазарга беринглар. 30 Халққа
тегишли бўлган ўлжанинг иккинчи қисмидан Муқаддас чодирим учун масъул
бўлган левиларга улуш беринглар. Асирлар, мол, эшак, қўй ва эчкиларнинг ҳар
элликтасидан биттаси левиларга берилсин.
31 Мусо билан руҳоний Элазар Эгамизнинг Мусога берган амрини адо этишди.
32 Сипоҳлар қўлга киритган нарсалардан ташқари ўлжа қилиб олган мол–ҳол
ва аёлларнинг умумий сони қуйидагича эди:

қўй–эчкилар — 675.000 та,
33 моллар — 72.000 та,
34 эшаклар — 61.000 та,
35 эр кўрмаган қизлар — 32.000 та.

36 Ўлжанинг урушга борган сипоҳларга тегишли қисми қуйидагича эди:

қўй–эчкилар — 337.500 та, 37 шулардан 675 та қўй–эчки Эгамизнинг
улушидир,
38 моллар — 36.000 та, шулардан 72 таси Эгамизнинг улушидир,
39 эшаклар — 30.500 та, шулардан 61 таси Эгамизнинг улушидир,
40 эр кўрмаган қизлар — 16.000 та, шулардан 32 нафари Эгамизнинг
улушидир.

41 Эгамиз Мусога амр қилгандай, Мусо Эгамизга ажратилган улушни назр
сифатида руҳоний Элазарга берди.
42 Мусо Исроил халқи учун сипоҳларнинг ўлжасидан ажратиб олган қисм
қуйидагилардан иборат эди:

43 қўй–эчкилар — 337.500 та,
44 моллар — 36.000 та,
45 эшаклар — 30.500 та,
46 эр кўрмаган қизлар — 16.000 та.

47 Исроил халқи улуш қилиб олган одаму ҳайвонларнинг ҳар элликтасидан
биттасини Мусо Эгамизнинг Муқаддас чодири учун масъул бўлган левиларга
берди. Эгамиз Мусога нимани амр қилган бўлса, Мусо шуни қилди.

48 Шундан сўнг мингбоши ва юзбошилар Мусонинг ҳузурига келишди. 49 Улар
Мусога:
— Биз, қулларингиз, қўлимиз остидаги сипоҳларни санаб чиқдик, — дейишди,
— биронта одамимизни йўқотмабмиз. 50 Ўзимизни Эгамиз ҳукмидан ҳимоя
қилиш учун*, биз топган олтин буюмларимизни — билагузуклар, муҳр узуклар,
сирғалар ва зебигардонларимизни Эгамизга назр қилиб олиб келдик.
51 Мусо билан руҳоний Элазар улар олиб келган ҳамма олтин зеб–зийнатларни
олишди. 52 Мингбоши ва юзбошилар Эгамизга назр қилган олтиннинг умумий
оғирлиги ўн икки пудга яқин* чиқди. 53 Оддий сипоҳлар эса қўлга киритган
ўлжаларни ўзларига қолдирган эдилар. 54 Исроил халқини Эгамиз доим эсида
тутиши учун Мусо билан руҳоний Элазар мингбоши ва юзбошилардан олган
олтин буюмларни Учрашув чодирига олиб келишди.

32–БОБ

Иордан дарёсининг шарқига ўрнашган қабилалар

1 Рубен ва Гад қабилаларининг чорваси ниҳоятда кўп эди. Улар Язир ва Гилад
ерларининг* чорвабоп эканлигини кўриб, 2 Мусо, руҳоний Элазар ва жамоа
йўлбошчиларининг олдига бориб шундай дейишди:
3 — Отарўт, Дибон, Язир, Нимро, Хашбон, Элалей, Савом, Наво, Байўн
шаҳарлари 4 жойлашган бутун ўлкани Эгамиз Исроил халқига мағлуб қилиб
берди. Булар ниҳоятда чорвабоп ерлар экан. Биз, қулларингизда эса чорва бор.
5 Агар биз сизларнинг илтифотингизга сазовор бўлган бўлсак, ўша ерларни бизга
мулк қилиб берсангизлар, бизни Иордан дарёсининг нариги томонига* олиб
ўтмасангизлар.
6 Шунда Мусо Гад билан Рубен қабилаларига шу гапни айтди:
— Биродарларингиз урушга борганларида, сизлар бу ерда қоласизларми?
7 Нимага сизлар, Исроил халқи Эгамиз берган юртга бормасин деб, уларнинг
раъйини қайтаряпсизлар? 8 Мен оталарингизни Кадеш–Барнадан юртни кўриб
келиш учун жўнатганимда*, улар ҳам худди шундай йўл тутишган эди. 9 Улар
Эшкўл сойлигигача бориб, юртни кўриб чиққан эдилар. Сўнг Эгамиз берган юртга
Исроил халқи бормасин деб, уларнинг раъйини қайтарган эдилар. 10 Ўша куни
Эгамиз оталарингиздан қаттиқ ғазабланиб шундай қасам ичган эди: 11 “Мисрдан
чиққан йигирма ва ундан юқори ёшдаги одамлар Мен Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга
ваъда қилган юртга кирмайдилар, чунки улар Менга содиқ қолмадилар. 12 Ўша
юртга фақат Ханаз уруғидан Яфунах ўғли Холиб билан Нун ўғли Ёшуа киradилар,
чунки улар икковигина Мен, Эгангизга содиқ қолдилар.” 13 Ҳа, Эгамиз Исроил
халқидан қаттиқ ғазабланган эди. Эгамиз Унинг олдида қабиҳлик қилган
аждодларингизни қирқ йил — улар батамом тугаб битмагунча саҳрода кездирди.
14 Энди эса сиз, эй гуноҳкорлар насли, оталарингизнинг ўрнини эгаллаб,
Эгамизнинг ғазабини Исроил халқига қарши қўзғатяпсизлар! 15 Агар Эгамиздан
юз ўгирсангизлар, У Исроил халқини яна саҳрода ташлаб кетади. Бутун халқ
сизлар туфайли қирилиб кетади.
16 Лекин Рубен ва Гад қабилалари Мусога яқин келиб, шундай дейишди:
— Биз бу ерда сурувларимиз учун қўй қўралари, бола–чақаларимиз учун
шаҳарлар қурамиз. 17 Ўзимиз эса қуролланиб*, Исроил халқини уларнинг юртига
жойлаштирмагунимизча, сафнинг бошида борамиз. Шу аснода болаларимиз
мустаҳкам шаҳарларда қоладилар, маҳаллий халқлар уларга хавф солмайдилар.
18 Исроил халқининг ҳар бири ўз мулкига эга бўлмагунча, биз уйимизга

қайтмаймиз. 19 Биз Иордан дарёсининг нариги томонидан ўзимизга мулк
олмаймиз, чунки бизнинг мулкимиз Иорданнинг бу томонида — шарқ томонида
бўлади.
20 Мусо уларга шундай деди:
— Агар сизлар ҳақиқатан ҳам айтганингизни қилсангизлар, Эгамиз
бошчилигида жанг қилиш учун қуролланинглар. 21 Қўлига қурол тутган барча
сипоҳларингиз Иордан дарёсидан ўтсин. Эгамиз Ўз ғанимларини қувиб
юбормагунча, Унинг олдида боринглар. 22 Эгамиз ўша юртни таслим қилгандан
кейингина, шу ерга қайтиб келишингиз мумкин. Шунда сизлар Эгамиз олдида
ҳам, Исроил халқи олдида ҳам ўз мажбуриятингиздан озод бўласиз. Иордан
дарёсининг шарқ томонидаги ер сизнинг Эгамиздан олган мулкингиз бўлади.
23 Агар шундай қилмасангизлар, сизлар Эгамизга қарши гуноҳ қилган бўласизлар.
Гуноҳингиз ўз бошингизни ейди. 24 Болаларингиз учун шаҳарлар, сурувларингиз
учун қўралар қуринглар. Лекин ваъдангиз устидан чиқинглар.
25 Гад ва Рубен қабилалари Мусога:
— Ҳазрат нима буйруқ берсалар, қуллари шуни адо этгайлар, — дейишди. 26 —
Болаларимиз, хотинларимиз, подалару сурувларимиз шу ерда — Гиладдаги
шаҳарларда қолади. 27 Лекин қўлига қурол тутган ҳар бир эркагимиз, ҳазратимиз
айтганларидай, Эгамиз бошчилигида жанг қилиш учун дарёнинг нариги
томонига ўтади.
28 Шундан кейин Мусо руҳоний Элазарга, Нун ўғли Ёшуага ва Исроил
қабилаларининг уруғбошиларига буйруқ бериб деди:
29 — Агар Гад ва Рубен қабилалари қуролланиб, Эгамиз бошчилигида жанг
қилиш учун сизлар билан бирга Иорданнинг нариги томонига ўтишса, сизлар ўша
юртни мағлуб қилганингиздан кейин Гилад ерларини уларга мулк қилиб
беринглар. 30 Борди–ю, улар сизлар билан бирга қуролланиб бормаса, бошқа
қабилалар қатори, Канъон юртидан мулк олишади.
31 Шунда Гад ва Рубен қабилалари:
— Эгамиз қулларингизга қандай амр берган бўлса, ҳаммасини адо этамиз, —
деб жавоб беришди. 32 — Биз қуролланиб, Эгамиз бошчилигида Иордан
дарёсининг нариги томонига ўтиб, Канъон юртига борамиз. Лекин Иорданнинг
шу томонидаги ерлар бизнинг мулкимиз бўла қолсин.
33 Шундан кейин Мусо Гад билан Рубен қабилаларига ҳамда Юсуф ўғли
Манаше қабиласининг ярмига* Амор халқининг шоҳи Сихўннинг юрти билан
Башан шоҳи Ўгнинг юртини — уларнинг жамики ерларию шаҳарларини, шаҳар
атрофидаги ўлкаларни берди.
34-36 Гад қабиласи Дибон, Отарўт, Арор, Отрўт–Шифан, Язир, Ёҳбохо,
Байт–Нимро ва Байт–Хорон деган мустаҳкам шаҳарларни қайтадан барпо қилиб,
қўй қўраларини қурди. 37-38 Рубен қабиласи ҳам Хашбон, Элалей, Хиратайим, Наво,
Баал–Миён ва Сивмо шаҳарларини қайта қурди. Улар тиклаган шаҳарларига янги
ном беришди.
39 Манаше ўғли Мохирнинг авлодлари Гилад ўлкасига боришди. Улар Гиладни
босиб олиб, Амор халқини у ердан қувиб чиқаришди. 40 Шундан кейин Мусо
Гиладни Мохир авлодига берди. Мохир авлоди у ерда жойлашди. 41 Манаше ўғли
Ёвир эса Амор халқининг шаҳарларини эгаллади. У ўша ерларга Ёвир шаҳарлари*
деб ном берди. 42 Наваҳ Қанот шаҳрини ва унинг атрофидаги қишлоқларни
эгаллади, у ерларга Наваҳ деб ўзининг исмини берди.

33–БОБ

Мисрдан Мўабга бўлган сафар

1-2 Мусо Эгамизнинг амрига кўра, сафар давомида қароргоҳ қурилган
жойларнинг номларини бирма–бир рўйхат қилиб ёзган эди. Мусо ва Ҳорун
бошчилигида Мисрдан қабила–қабила бўлиб чиққан Исроил халқининг тўхтаган
жойлари қуйидагилардир:

3 Биринчи ойнинг* ўн бешинчи кунида, Фисиҳ зиёфатининг эртасига
Исроил халқи Рамзес шаҳрини тарк этди. Улар жамики Миср халқининг
кўзи олдида шахдам қадам билан Мисрдан чиқиб кетишди. 4 Шу вақтда
Мисрликлар Эгамиз нобуд қилган ҳамма тўнғич ўғилларини дафн
қилаётган эдилар. Эгамиз шу йўсинда Миср худоларини маҳкум этган эди.
5 Шундай қилиб, Исроил халқи Рамзесни тарк этиб, Сухотда қароргоҳ
қурди.
6 Сўнг Сухотдан кетиб, саҳронинг четидаги Этхамда қароргоҳ қурди.
7 Улар Этхамдан чиқиб, орқага — Баал–Зафўннинг шарқидаги
Пий–Хахирўтга йўл олиб, Мигдол ёнида қароргоҳ қуришди.
8 Пий–Хахирўтдан ҳам чиқиб, Қизил денгиздан* ўтишди–да, саҳро
томон йўл олишди. Этхам саҳросини уч кун кезганларидан кейин, Марода
қароргоҳ қуришди.
9 Кейин Мародан кетиб, Илимда қароргоҳ қуришди. Илимда ўн иккита
булоқ ва етмишта хурмо дарахти бор эди.
10 Улар Илимдан кейин, Қизил денгиз* бўйида қароргоҳ қуришди.
11 Кейин Қизил денгиз бўйидан кетиб, Син саҳросида* қароргоҳ
қуришди.
12 Син саҳросидан кетиб, Дофкахда қароргоҳ қуришди.
13 Дофкахдан кетиб, Элишда қароргоҳ қуришди.
14 Элишдан кетиб, Рафидимда қароргоҳ қуришди. Лекин у ерда ичимлик
суви йўқ эди*.
15 Рафидимдан кетиб, Синай саҳросида қароргоҳ қуришди.
16 Синай саҳросидан кетиб, Хиврут–Хаттавода қароргоҳ қуришди.
17 Хиврут–Хаттаводан кетиб, Хазерўтда қароргоҳ қуришди.
18 Хазерўтдан кетиб, Ритмада қароргоҳ қуришди.
19 Ритмадан кетиб, Риммон–Паразда қароргоҳ қуришди.
20 Риммон–Параздан кетиб, Либнада қароргоҳ қуришди.
21 Либнадан кетиб, Риссада қароргоҳ қуришди.
22 Риссадан кетиб, Кахелетахда қароргоҳ қуришди.
23 Кахелетахдан кетиб, Шафер тоғида қароргоҳ қуришди.
24 Шафер тоғидан кетиб, Харадахда қароргоҳ қуришди.
25 Харадахдан кетиб, Макхилўтда қароргоҳ қуришди.
26 Макхилўтдан кетиб, Тахатда қароргоҳ қуришди.
27 Тахатдан кетиб, Тераҳда қароргоҳ қуришди.
28 Тераҳдан кетиб, Миткада қароргоҳ қуришди.
29 Миткадан кетиб, Хашмонахда қароргоҳ қуришди.
30 Хашмонахдан кетиб, Мосарўтда қароргоҳ қуришди.
31 Мосарўтдан кетиб, Баниякондa қароргоҳ қуришди.
32 Баниякондан кетиб, Хор–Хагигадда қароргоҳ қуришди.
33 Хор–Хагигаддан кетиб, Ётботода қароргоҳ қуришди.

34 Ётботодан кетиб, Аврўнда қароргоҳ қуришди.
35 Аврўндан кетиб, Эзйўн–Геберда қароргоҳ қуришди.
36 Эзйўн–Гебердан кетиб, Зин чўлидаги Кадешда қароргоҳ қуришди.
37 Кадешдан кетиб, Эдом юртининг чегарасидаги Хўр тоғида қароргоҳ қуришди. 38 Руҳоний Ҳорун Эгамизнинг амри билан Хўр тоғига чиқиб, ўша ерда вафот этди. Бу воқеа Исроил халқи Мисрдан чиққанига қирқ йил бўлганда, бешинчи ойнинг* биринчи кунида содир бўлди. 39 Ҳорун Хўр тоғида вафот этганда 123 ёшда эди.
40 Канъонлик Арод шоҳи шу пайтда: “Исроил халқи келяпти” деган хабарни эшитди. У Канъондаги Нагав чўлида* яшарди.
41 Исроил халқи Хўр тоғидан кетиб, Залмўнода қароргоҳ қурди.
42 Улар Залмўнодан кетиб, Пунонда қароргоҳ қуришди.
43 Пунондан кетиб, Обўтда қароргоҳ қуришди.
44 Обўтдан кетиб, Мўаб ҳудудидаги Ивай–Аборимда қароргоҳ қуришди.
45 Ивай–Аборимдан* кетиб, Дибон–Гадда қароргоҳ қуришди.
46 Дибон–Гаддан кетиб, Элмон–Диблатайимда қароргоҳ қуришди.
47 Элмон–Диблатайимдан кетиб, Наво тоғининг ёнидаги Аборим тоғларида* қароргоҳ қуришди.
48 Аборим тоғларидан кетиб, Мўаб текислигида, Ерихо шаҳрининг рўпарасидаги Иордан дарёси бўйида қароргоҳ қуришди. 49 Улар Мўаб текислигида Иордан бўйлаб, Байт–Яшимўтдан тортиб, Овил–Шитимгача қароргоҳ қуришди.

Иордан дарёсидан ўтишдан олдин берилган кўрсатмалар

50 Мўаб текислигида, Ерихо шаҳрининг рўпарасидаги Иордан дарёси бўйида Эгамиз Мусога шундай деди:
51 — Исроил халқига айт: “Сизлар Иордан дарёсининг нариги томонига ўтиб, Канъон юртига борганларингиздан кейин 52 у ернинг аҳолисини ҳайдаб чиқаринглар. Уларнинг ҳамма тош ва қуйма бутларини йўқ қилинглар, жамики саждагоҳларини бузиб ташланглар. 53 Ўша юртга эгалик қилинглар, у ерда ўрнашиб олинглар, чунки Мен ўша юртни сизларга берганман. 54 Ерларни уруғларингиз орасида қуръа бўйича* бўлиб беринглар. Катта уруққа каттароқ улуш, кичик уруққа кичикроқ улуш беринглар. Қуръа бўйича кимга қаер чиқса, ўша ер ўша уруғнинг улуши бўлиб қолади. Шу йўсинда ерларни қабилалар орасида бўлиб беринглар. 55 Агар сизлар ўша юртнинг аҳолисини ҳайдаб чиқармасангиз, уларнинг қолган–қутганлари сизлар учун кўзга кирган зирапчадай, биқинга санчилган тикандай бўлади. Улар сизларни яшаб турган юртингизда сиқади. 56 Шунда Мен уларнинг бошига нима солмоқчи бўлган бўлсам, сизнинг бошингизга соламан.”

34–БОБ

Канъон юртининг чегаралари

1 Эгамиз Мусога деди:
2 — Исроил халқига Менинг шу гапимни етказ: “Канъон юртига кириб борганингиздан кейин, сизларга мулк қилиб бериладиган бу юрт қуйидагича чегараланади:

3 Юртингизнинг жанубий қисми Зин чўлидан Эдом юрти бўйлаб чўзилади. Жанубий чегарангиз шарқ томонда Ўлик денгизнинг* жанубий

қирғоғидан бошланиб, [4] Чаёнлар довонидан* ўтади ва жанубга — Зин чўли томонга чўзилади. Чегарангизнинг энг жанубий нуқтаси Кадеш–Барна бўлади. У ердан чегара Хазор–Адаргача бориб, Озмон орқали ўтади. [5] Сўнг бурилиб, Миср чегарасидаги ирмоқ* бўйлаб Ўрта ер денгизига бориб тақалади.

[6] Ўрта ер денгизининг қирғоғи ғарбий чегарангизни ташкил қилади.

[7] Шимолий чегарангиз эса Ўрта ер денгизидан шарққа, Хўр тоғига* томон чўзилади. [8] Хўр тоғидан Лево–Хоматгача* боради, сўнг Задоддан ўтиб, [9] Зифрўнга чўзилиб боради ва Хазор–Энанда тўхтайди. Бу сизнинг шимолий чегарангиз бўлади.

[10] Шарқий чегарангиз шимолдаги Хазор–Энандан бошланиб, жануб томон Шафомга боради, [11] сўнг яна жанубга чўзилиб, Ойиннинг шарқ томонидаги Ривлодан ўтади ва Жалила кўлининг* шарқ томонидаги қирлар бўйлаб боради. [12] Сўнг чегара Иордан дарёси бўйлаб жанубга чўзилиб, Ўлик денгизга бориб тўхтайди.

Ҳар томондан чегараланган мана шу ерлар сизларнинг юртингиз бўлади.”

[13] Шундан сўнг Мусо Исроил халқига буюрди:

— Бу юртни қуръа ташлаб*, бўлиб олинглар. Эгамиз бу юртни тўққизта қабилага ва бир қабиланинг ярмига бўлиб беришни амр этган. [14-15] Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми хонадонлари бўйича Ерихо шаҳрининг рўпарасидаги Иорданнинг шарқ томонидан ўзларига тегишли мулкни олганлар.

Юртнинг тақсимланишига жавобгар йўлбошчилар

[16] Эгамиз Мусога яна айтди: [17] “Руҳоний Элазар ва Нун ўғли Ёшуа юртни Исроил халқига бўлиб беришсин. [18] Ҳар бир қабиладан биттадан йўлбошчини уларга ёрдамчи қилиб тайинланглар. [19] Ўша одамларнинг исмлари қуйидагичадир:

Яҳудо қабиласидан — Яфунах ўғли Холиб.
[20] Шимўн қабиласидан — Омиҳуд ўғли Шомуил.
[21] Бенямин қабиласидан — Хислон ўғли Элидод.
[22] Дан қабиласидан — Ёхли ўғли Букки.
[23] Юсуф ўғли Манаше қабиласидан — Эфўд ўғли Ханниёл.
[24] Эфрайим қабиласидан — Шифтон ўғли Камувол.
[25] Забулун қабиласидан — Парнўх ўғли Элизофон.
[26] Иссахор қабиласидан — Оззон ўғли Палтиёл.
[27] Ошер қабиласидан — Шалуми ўғли Охихуд.
[28] Нафтали қабиласидан — Омиҳуд ўғли Падаҳиёл.”

[29] Эгамиз ана шу одамларга, Исроил халқига Канъон юртини мулк қилиб бўлиб беринглар, деб амр берган эди.

35–БОБ

Левиларга берилган шаҳарлар

[1] Мўаб текислигида, Ерихо шаҳрининг рўпарасидаги Иордан дарёси бўйида Эгамиз Мусога деди: [2] “Исроил халқига буюр, улар мулк қилиб оладиган еридан левиларга яшаш учун шаҳарлар беришсин. Шунингдек, шаҳарларнинг атрофидаги яйловларни ҳам беришсин. [3] Шаҳарлар левиларга ватан бўлади,

яйловлар эса мол–ҳоли учун ярайди. 4 Левиларга бериладиган яйловлар шаҳар деворидан 1000 тирсак* масофада бўлган теваракдаги ҳамма яйловларни ўз ичига олсин. 5 Шаҳар ташқарисидан шарқ, жануб, ғарб, шимол томонга 2000 тирсакдан* ўлчанглар, шаҳар ўртада бўлсин. Шаҳар атрофи эса левиларнинг яйловлари бўлади.

6 Сизлар левиларга берадиган шаҳарларингизнинг олтитаси паноҳ шаҳарлар бўлсин. Бирортангиз бехосдан одам ўлдириб қўйсангиз, ўша шаҳарларнинг бирига қочиб боришингиз мумкин. Бу олтита шаҳардан ташқари, левиларга яна қирқ иккита шаҳар беринглар. 7 Ҳаммаси бўлиб левиларга қирқ саккизта шаҳар ва улар атрофидаги яйловлар берилсин.

8 Исроил халқи мулкидан ҳар бир қабила олган улушининг ҳажмига кўра, левиларга шаҳарлар ажратиб беринглар. Каттароқ улуш олган қабила кўпроқ, кичикроқ улуш олган қабила эса камроқ шаҳар берсин."

Паноҳ шаҳарлар

9-10 Исроил халқига қуйидаги амр ва қонунларни етказ, деб Мусога Эгамиз шундай амр берди: "Сизлар Иордан дарёсининг нариги томонига* ўтиб, Канъон юртига кирганларингиздан кейин, 11 ўзларингиз учун паноҳ шаҳарларни танланглар. Бирортаси бехосдан одам ўлдириб қўйса, ўша шаҳарларнинг бирига қочиб бора оладиган бўлсин. 12 Қотил жамоа олдида ҳукм қилинишдан олдин ўлдирилиб қўйилмаслиги учун бу шаҳарлар қотилга қасоскордан паноҳ бўлади.

13 Олтита паноҳ шаҳрингиз бўлсин. 14 Учта шаҳарни Иордан дарёсининг шарқ томонидан, қолган учтасини Канъон юртидан танланглар. 15 Ана шу олтита шаҳар сизлар учун ҳам, орангизда вақтинча ёки доимий равишда истиқомат қилаётган мусофирлар учун ҳам паноҳ бўлади. Бирортасини бехосдан ўлдириб қўйган одам ўша ёққа қочиб борсин.

16 Агар бирорта одам бошқасини темир асбоб билан уриб ўлдириб қўйса, урган одам қотил ҳисобланади ва ўша одамнинг жазоси ўлимдир. 17 Одамни тош билан уриб ўлдирган киши ҳам қотилдир. Қотилнинг жазоси ўлимдир. 18 Одамни ёғоч қурол билан уриб ўлдирган киши ҳам қотилдир. Қотилнинг жазоси ўлимдир. 19 Марҳумнинг хунини оладиган одам қотилни ўлдирсин. Қотилни учратиб қолганда унинг жонини олсин. 20 Шунингдек, агар бирортаси бошқасини ёмон кўргани учун итариб ёки қасддан унга бирор нарсани отиб ўлдириб қўйса, 21 ёхуд адоватдан унга мушт тушириб ўлдирса, урган одамнинг жазоси ўлимдир. У қотилдир. Марҳумнинг хунини оладиган одам қотилни учратганда ўлдирсин.

22 Борди–ю, бири бошқасини бехосдан, хусумат қилмай, туртиб юборса ёки қасд қилмай бирор нарса отса 23-24 ё кўрмай туриб устига тош тушириб юборса ва ўша одам ўлса, жамоа қасоскор билан одам ўлдирган кишининг орасидаги можарони ҳал қилсин. Чунки одам ўлдирганнинг ва марҳумнинг орасида ҳеч қандай адоват бўлмаган эди. 25 Жамоа қотилни қасоскорнинг қўлидан халос қилиб, уни қайтариб паноҳ шаҳарга жўнатсин. Мой суртиб танланган олий руҳоний вафот этгунча, қотил ўша ерда қолсин.

26 Лекин қотил паноҳ шаҳар чегарасидан чиқса 27 ва қасоскор уни паноҳ шаҳардан ташқарида тутиб олиб ўлдирса, қасоскор қотилликда айбланмайди. 28 Чунки олий руҳоний вафот этгунча, қотил паноҳ шаҳарда қолиши лозим эди. Олий руҳонийнинг вафотидан сўнггина у ўз уйига қайтиб бориши мумкин эди. 29 Мана шулар сизлар учун авлодларингиз оша, қаерда яшасангиз ҳам, қонун бўлиб қолсин.

30 Одам ўлдирган киши фақат гувоҳларнинг кўрсатмалари асосидагина қотилликда айбланиб, ўлим жазосига тортилсин. Битта одамнинг гувоҳлиги

асосида ҳеч ким ўлдирилмасин.
31 Ўлимга ҳукм қилинган қотилнинг жони эвазига пул олманглар. Қотилни
албатта ўлдиринглар.
32 Паноҳ шаҳарга қочиб кетган одамдан ҳам пул олманглар, у олий
руҳонийнинг вафотидан олдин ўз ерига қайтиб келиб яшаши учун йўл
қўйманглар. 33 Ўзингиз яшаб юрган ерни булғаманглар. Ер тўкилган қон туфайли
булғанади. Қотиллик туфайли булғанган ерни фақат қотилнинг қони билан
тозалаб бўлади. 34 Ўзларингиз яшайдиган ва Мен истиқомат қиладиган ерни
булғаманглар, зотан, Мен, Эгангиз, Исроил халқи орасида истиқомат қиламан.”

36–БОБ

Турмушга чиққан аёлларнинг мероси

1 Бир куни Гилад уруғининг уруғбошилари Мусо билан Исроил йўлбошчилари
олдига келишди. Гилад Мохирнинг ўғли, Манашенинг невараси, Юсуфнинг
эвараси эди.
2 — Эй Мусо ҳазратлари, — дея мурожаат қилишди улар. — Эгамиз сизга,
Исроил халқига қуръа бўйича* ерни мулк қилиб бер, деб амр қилганда, инимиз
Залофходнинг мулкини қизларига беришингизни айтган эди*. 3 Борди–ю,
Залофходнинг қизлари Исроилнинг бошқа қабиласидаги йигитларга турмушга
чиқсалар, уларнинг мулки турмушга чиққан уруғнинг мулкига қўшилади. Шунда
қабиламиз улуш қилиб олган ернинг бир қисмидан айрилиб қолади. 4 Қутлуғ
йил* келганда эса Залофход қизларининг мулки ўзлари турмушга чиққан
уруғнинг мулкига қўшилиб, қабиламизнинг мулкидан айириб олинади ва биз
қабиламизга тегишли бўлган бир қисм ердан маҳрум бўлиб қоламиз.
5 Мусо, Эгамизнинг амрига биноан, Исроил халқига айтди:
— Юсуф авлодининг гапи тўғри. 6 Эгамиз Залофходнинг қизлари ҳақида
шундай амр берди: Залофходнинг қизлари ўзлари хоҳлаган одамларга турмушга
чиқишсин. Лекин улар турмушга чиқадиган йигитлар Залофходнинг қабиласидан
бўлишлари шарт. 7 Исроил халқининг мулки бир қабиладан бошқасига ўтиб
кетмасин. Ҳар бир Исроил одами оталаридан мерос қилиб олган ерни сақласин.
8 Исроилнинг ҳамма қабиласида мулкка меросхўрлик қиладиган ҳар қандай қиз,
ўзининг қабиласидан бирортасига турмушга чиқсин, токи Исроилнинг ҳамма
одамлари мулк қилиб олган ерларига ўзлари эгалик қилсин. 9 Ана шунда мулк
бир қабиладан бошқа қабилага ўтиб кетмайди. Исроил халқининг ҳар бир
қабиласи ўз мулкини сақлаб қолсин.
10 Эгамиз Мусога нима амр этган бўлса, Залофходнинг қизлари шуни
қилдилар. 11 Залофходнинг Махло, Тирза, Хўглах, Милхо ва Нуваҳ исмли қизлари
ўз амакиларининг ўғилларига турмушга чиқдилар. 12 Улар турмушга чиққан
йигитлар Юсуф ўғли Манаше уруғларидан эдилар. Шундай қилиб, у қизларнинг
мероси оталари қабиласида қолди.

13 Мусо орқали Исроил халқига Эгамиз берган амр ва қонунлар ана шулардан
иборатдир. Бу қонунлар Мўаб текислигида, Ерихо шаҳрининг рўпарасидаги
Иордан дарёси бўйида берилган эди.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Исроил халқи Миср юртини тарк этиб…* — Чиқиш 12:40-42 га қаранг.

1:1 *Иккинчи ой* — иброний календарининг Зив ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан апрелнинг ўртасидан бошланади.

1:17-19 *иккинчи ой* — шу бобнинг 1–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

1:20-21 *Уруғи ва хонадони бўйича…урушга яроқли эркакларнинг сони…* — ибронийча матндаги бу жумла шу бобнинг 22-43–оятларида рўйхат қилинган ҳар бир қабила номига қўшиб такрорланган. Равон ўқилиши учун мазкур таржимада бу жумла ҳар бир оятда қайтарилмади.

1:20-21 *Исроил* — Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

1:50 *Муқаддас аҳд чодири* — ибронийча матнда *Гувоҳлик чодири* (шу бобнинг 53–оятида ҳам бор), Муқаддас чодирнинг яна бир номи. Ибронийча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Бу тош лавҳалар Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди. Бу икки тош лавҳа Муқаддас чодирдаги Аҳд сандиғининг ичида сақланарди (Чиқиш 40:20 га қаранг).

2:14 *Дувел* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Рувел*. Унинг Дувел деган шакли 1:14 дан олинган (яна 7:42, 47, 10:20 га қаранг).

3:4 *…Надов билан Абиҳу…нобуд бўлган эдилар* — Левилар 10:1-2 га қаранг.

3:13 *…Исроил халқининг барча тўнғичларини…Ўзим учун ажратиб олганман* — Чиқиш 13:1-2, 11-16 га қаранг.

3:28 *8600* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларида *8300* (ибронийчада 8600 ва 8300 нинг ёзилиши ниҳоятда ўхшашдир). 8300 га шу бобнинг 22–оятидаги ва 34–оятидаги сонларни қўшганда, 39–оятдаги сон, яъни 22.000 сони келиб чиқади. 39–оятдаги сон аниқ сон бўлмай, балки тахминий сон бўлиши ҳам мумкин.

3:28 *Муқаддас чодир* — бу оятда айнан Муқаддас хона ва Энг муқаддас хона назарда тутилган (шу бобнинг 32–оятида ҳам бор).

3:38 *…Муқаддас чодирнинг олдида…* — ибронийча матнда *…Муқаддас чодир, Учрашув чодирининг олдида…*. Муқаддас чодир яна Учрашув чодири деб ҳам айтилади.

3:47 *…беш бўлакдан кумуш ол. Ҳар бир кумуш бўлакнинг оғирлиги икки ярим мисқол бўлсин* — ибронийча матнда *…беш шақалдан ол. Ҳар бир шақалнинг оғирлиги Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалнинг оғирлигига тенг келиб, 20 гера бўлсин*. 20 гера тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, ҳар бир ортиқ одам эвазига берилган кумуш тахминан 55 граммга тўғри келади.

3:49-50 *…1365 та кумуш бўлакни йиғиб олди* — ибронийча матнда *…1365 та кумуш шақални йиғиб олди. Ҳар бир шақалнинг оғирлиги Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалнинг оғирлигига тенг эди*. Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, йиғиб олинган кумушнинг умумий оғирлиги тахминан 15 килога тўғри келади.

4:5 *Сандиқ* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. Ибронийча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Иккала тош лавҳа Сандиқнинг ичида сақланиб, Худо ва

Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди.

4:6 *юмшоқ тери* — юқори сифатли, ошланган тери назарда тутилган бўлиши мумкин.

4:7 *муқаддас нонлар* — бу нонлар Эгамизнинг Муқаддас чодирда зоҳир бўлишини акс эттирувчи тимсол бўлиб, Худо Исроил халқининг қудрати ва таъминловчиси эканлигидан дарак бериб турган. Нонлар Чодирдаги махсус хонтахтага қўйилиб, ҳар Шаббат куни янги пиширилган нонлар билан алмаштириб турилган (Левилар 24:5-9 га қаранг).

4:16 *муқаддас қиладиган мой* — зайтун мойи ва зираворларнинг махсус аралашмасидан тайёрланиб, фақат руҳонийлар томонидан диний маросимларни адо этиш учун ишлатилган (Чиқиш 30:22-33 га қаранг).

5:2 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун, бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Левилар 13:45-46 га қаранг).

5:15 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

5:21 *...сени бола туға олмайдиган қилиб қўйсин* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...сонларингни қуритсин, қорнингни шиширсин*. Кўп олимларнинг шарҳлашича, бу ибронийча иборанинг маъноси — боланг тушиб қолсин ёки боланг ўлик туғилсин дегани (шу бобнинг 22, 27–оятларида ҳам бор).

6:1-2 *ўзини маълум бир муддатга Эгамизга назр сифатида бағишлаш* — ибронийча матндаги шу бобнинг 2-21–оятларида бу иборанинг ўрнига алоҳида бир сўз ишлатилган бўлиб, бу сўз Худога хизмат қилиш учун махсус ваъда берган одамни билдиради. Баъзи инсонлар махсус ваъда бериб, ўзларини бирмунча вақт Худонинг хизматига бағишлар эдилар. Баъзи бировлар эса туғилган пайтлариданоқ шу ваъда орқали Худога бағишланганлар.

6:12 *айб қурбонлиги* — Левилар 5:14-19 га қаранг. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган АЙБ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

6:27 *...Исроил халқини Менинг номим билан дуо қилишсин* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...Менинг номимни Исроил халқи устига қўйишсин*. Исроил халқини шу бобнинг 24-26–оятларидаги сўзлар билан дуо қилишган.

7:1 *Мусо Муқаддас чодирни ўрнатиб бўлган куни...* — Чиқиш 40:17-18 га ва ўша оятларнинг изоҳига қаранг.

7:2 *...халқни рўйхатга олиш учун масъул бўлган йўлбошчилар...* — 1:1-19 га қаранг.

7:13 *...оғирлиги 330 мисқол бўлган битта кумуш лаган, оғирлиги 180 мисқол бўлган битта кумуш тоғорача* — ибронийча матнда *...оғирлиги 130 шақал бўлган битта кумуш лаган, оғирлиги 70 шақал бўлган битта кумуш тоғорача. Лаган ва тоғорача Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра ўлчанган* (шу бобнинг 19, 25, 31, 37, 43, 49, 55, 61, 67, 73, 79–оятларида ҳам бор). Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, кумуш лаганнинг оғирлиги тахминан 1,5 килога, кумуш тоғорачанинг оғирлиги

тахминан 800 граммга тўғри келади.

7:14 *25 мисқол* — ибронийча матнда *10 шақал*, тахминан 110 граммга тўғри келади (шу бобнинг 20, 26, 32, 38, 44, 50, 56, 62, 68, 74, 80–оятларида ҳам бор).

7:16 *гуноҳ қурбонлиги* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

7:85 *...330 мисқол...180 мисқол...* — ибронийча матнда *...130 шақал...70 шақал...*. Кумуш лаганнинг оғирлиги тахминан 1,5 килога, кумуш тоғорачанинг оғирлиги тахминан 800 граммга тўғри келади.

7:85 *...оғирлиги икки пудга яқин эди* — ибронийча матнда *...Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра оғирлиги 2400 шақал эди*. Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, кумуш лаганлар ва тоғорачаларнинг умумий оғирлиги тахминан 27 кило эди.

7:86 *...оғирлиги 25 мисқол эди* — ибронийча матнда *...Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалга кўра оғирлиги 10 шақал эди*. Муқаддас чодирда ишлатилган стандарт шақал тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, ҳар бир олтин пиёланинг оғирлиги тахминан 110 граммга тўғри келади.

7:86 *300 мисқол* — ибронийча матнда *120 шақал*, тахминан 1,4 килога тўғри келади.

7:89 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*. 4:5 изоҳига қаранг.

7:89 *икки каруб* — қанотли самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

8:4 *...Эгамиз Мусога кўрсатган намуна бўйича...* — Чиқиш 25:31-40 га қаранг.

8:6 *...уларни покла...* — диний хизматни лозим даражада бажаришга монелик қиладиган нопокликдан тозаланиш маросими.

8:19 *Исроил халқи Чодирга яқин келиб қолганда, юз берадиган кулфатдан левилар уларни ҳимоя қилади* — 1:53 га қаранг. Бу жумладаги чодир сўзи Муқаддас хона ва Энг муқаддас хонага ишора қилади.

9:1 *...Мисрдан чиққандан кейин, иккинчи йилнинг биринчи ойида...* — иброний календарининг Абиб ойи назарда тутилган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади. Саҳрода китобидаги воқеалар иккинчи йилнинг иккинчи ойидан бошлангани учун (1:1 га қаранг), шу бобнинг 1-5–оятларида иккинчи Фисиҳ зиёфатининг нишонланиши баён этилган. Бу Фисиҳ зиёфати 1–бобдаги халқ рўйхатга олинишидан бир ой олдин нишонланган. Биринчи Фисиҳ зиёфати Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан озод қилган кечаси нишонланган эди (Чиқиш 12:1-42 га қаранг).

9:11 *иккинчи ой* — 1:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

9:11 *қурбонлик* — қўзи ёки улоқча (Чиқиш 12:3-5 га қаранг).

9:15 *Муқаддас чодир ўрнатилган куни...* — Чиқиш 40:17-18 га кўра, бу ҳодиса Исроил халқи саҳрода турган пайтда, аниғи, иккинчи йилнинг биринчи ойида, ойнинг биринчи кунида содир бўлган эди.

9:15 *Чодир* — ибронийча матнда *Чодир — Гувоҳлик чодири*. 1:50 изоҳига қаранг.

10:6 *Карнайнинг қисқа садоси йўлга чиқиш кераклигини билдиради* — ғарб ва

шимолдаги қароргоҳларда турган қабилалар шарқ ва жанубдаги қабилалар сингари, карнайнинг қисқа садосини эшитгач, йўлга чиқишлари керак эди.

10:11 *иккинчи ой* — 1:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

10:11 *Муқаддас аҳд чодири* — ибронийча матнда *Гувоҳлик чодири*. 1:50 изоҳига қаранг.

10:12 *…Исроил халқи Синай саҳросидан йўлга чиқди* — Исроил халқи Синай тоғида ўн бир ой давомида турган эди (шу бобнинг 11–оятига ва Чиқиш 19:1-2 га қаранг).

10:12 *Порон чўли* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқий қисми назарда тутилган бўлиши мумкин.

10:29 *Ятро* — ибронийча матнда *Рувел*, Ятронинг яна бир исми (Чиқиш 3:1 га қаранг).

10:32 *Агар биз билан бирга борсангиз…* — Хўвовнинг Мусо билан борган ёки бормагани маълум эмас, аммо Ҳакамлар 1:16 да берилган маълумотга кўра у Мусо билан борган, деган хулоса чиқариш мумкин.

10:33 *Эгамизнинг муқаддас тоғи* — Синай тоғига ишора.

11:3 *Тавера* — бу ном ибронийчадаги *ёнаётган* сўзига оҳангдош.

11:4 *Исроил халқи орасидаги қаланғи–қасанғилар* — Чиқиш 12:38 да тилга олинган бегона халқлар назарда тутилган бўлиши мумкин (яна Қонунлар 29:11, Ёшуа 8:35 га қаранг).

11:6 *манна* — Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин то Канъон юртига киргунча, Худо уларга етказиб турган махсус егулик. Манна, Шаббат кунидан ташқари, ҳар куни кечаси ерга ёғиларди, одамлар саҳарда туриб, уни йиғиб олишарди (Чиқиш 16:13-35, Ёшуа 5:12 га қаранг).

11:18 *…тайёрланиб покланинглар…* — 8:6 изоҳига қаранг.

11:28 *Мусога ёшлигидан хизмат қилиб келган…* — ёки *Мусонинг танланган одамларидан бири бўлган….*

11:31 *денгиз* — Ақаба қўлтиғи назарда тутилган бўлиши мумкин.

11:31 *…икки тирсак баландликда учиб юрган эди* — ёки *…икки тирсак қалинликда уйиб ташланган эди*. Икки тирсак тахминан бир метрга тўғри келади.

11:32 *олтмиш сават* — ибронийча матнда *ўн ҳўмр*, тахминан 2200 литрга тўғри келади.

11:34 *Хиврут–Хаттаво* — ибронийчадаги маъноси *нафси бузуқ одамларнинг қабрлари*.

12:1 *Ҳабашистонлик* — ибронийча матнда *Кушлик*. Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

12:7 *Менинг бутун халқим орасида ишончлиси Мусодир* — ёки *Халқимни бошқариш учун ишониб топширган одамим Мусодир*.

12:10 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. 5:2 изоҳига қаранг.

13:1 *Порон чўли* — 10:12 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

13:9 *Хўшея* — шу бобнинг 17–оятига қаранг.

13:17 *...Хўшеянинг исмини ўзгартириб, уни Ёшуа деб атади* — ибронийчадаги Хўшея исмининг маъноси *у қутқаради*, Ёшуа исмининг маъноси эса *Эгамиз қутқаради*.

13:18 *Нагав чўли* — ҳозирги Исроилнинг жанубида, Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган ерлар.

13:22 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

13:23 *Хеврон шаҳри* — Қуддусдан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган.

13:23 *...Оноқ авлодидан келиб чиққан...* — Оноқ авлоди Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, улар гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқ эди (шу бобнинг 33-34–оятларига ва Қонунлар 1:28, 2:10-11, 20-21, 9:1-2 га қаранг).

13:25 *Эшкўл* — ибронийчадаги маъноси *бир бош узум*.

13:27 *Кадеш* — Кадеш–Барна номи билан ҳам маълум бўлиб, ҳозирги Ақаба қўлтиғининг шимолий қирғоғидан қарийб 145 километр шимоли–ғарбда жойлашган воҳа.

13:28 *...сут ва асал оқиб ётибди* — ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут — мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

13:29 *Оноқ авлоди* — шу бобнинг 23–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

13:34 *улкан паҳлавонлар* — ибронийча матнда *нефилим*. Бу сўз ҳайбатли ва кучли одамларга нисбатан ишлатилган (Ибтидо 6:4 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

14:8 *сут ва асал оқиб ётган ўша юрт* — 13:28 изоҳига қаранг.

14:17 *Сен Ўзинг айтгансан...* — Чиқиш 34:6-7 га қаранг.

14:25 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади.

14:28 *...минғирлаб нолиганларингизни...* — шу бобнинг 2–оятига қаранг.

14:34 *Менга қарши чиққанларнинг ҳоли не кечишини...* — ёки *Сизларга қарши чиқсам ҳолингиз не кечишини....*

14:45 *Хўрмах* — Канъон юртининг жанубий қисмида, Кадешдан қарийб 80 километр шимоли–шарқда жойлашган шаҳар.

15:4-5 *икки коса* — ибронийча матнда *чорак хин*, тахминан 1 литрга тўғри келади (шу оятда икки марта ишлатилган).

15:4-5 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

15:6 *уч коса* — ибронийча матнда *хиннинг учдан бир қисми*, тахминан 1,3 литрга тўғри келади (шу бобнинг 7–оятида ҳам бор).

15:6 *саккиз коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан икки қисми*, тахминан 4 литрга тўғри келади.

15:9 *тўрт коса* — ибронийча матнда *ярим хин*, тахминан 2 литрга тўғри келади

(шу бобнинг 10–оятида ҳам бор).

15:9 *ўн икки коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан уч қисми*, тахминан 6 литрга тўғри келади.

15:32 *...Шаббат куни ўтин териб юрган бир одамни ушлаб олишди* — Худонинг қонунига кўра, Шаббат куни ишлаш тақиқланган эди (Чиқиш 31:12-17 га қаранг).

16:4 *...мук тушди* — бу ҳолат Мусо Худога жон–жаҳди билан ибодат қилиб, мадад сўраётганини билдиради.

16:7 *Ўшанда Эгамиз кимни танлаб олганини, ким Унга тегишли эканлигини кўрамиз* — фақат руҳонийлар Муқаддас чодирда хушбўй тутатқи назр қилишлари мумкин эди. Тутатқи назр қилган бошқа одам ўлар эди. Тутатқи назр қилиб тирик қолган одам Худонинг танлагани эди.

16:13 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — 13:28 изоҳига қаранг.

16:30 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди (шу бобнинг 33–оятида ҳам бор).

17:2 *...қабила...таёқ...* — бу оятда сўз ўйини ишлатилган. Ибронийчадаги *қабила* сўзи *таёқ* маъносида ҳам ишлатилади.

17:4 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик* (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор), Аҳд сандиғининг яна бир номи. 4:5 изоҳига қаранг.

17:7 *Муқаддас аҳд чодири* — ибронийча матнда *Гувоҳлик чодири* (шу бобнинг 8–оятида ҳам бор). 1:50 изоҳига қаранг.

18:2 *Муқаддас аҳд чодири* — ибронийча матнда *Гувоҳлик чодири*. 1:50 изоҳига қаранг.

18:15 *ҳаром ҳайвон* — Худога қурбонлик қилишга ярамайдиган ҳайвон. Ҳалол ва ҳаром ҳайвонлар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Левилар 11:1-47 га қаранг.

18:16 *...беш бўлакдан кумуш олинглар. Ҳар бир кумуш бўлакнинг оғирлиги 2,5 мисқол бўлсин* — ибронийча матнда *...беш шақалдан ол. Ҳар бир шақалнинг оғирлиги Муқаддас чодирда ишлатиладиган шақалнинг оғирлигига тенг келиб, 20 гера бўлсин*. 20 гера тахминан 11 граммга тўғри келади, демак, ҳар бир тўнғич ўғил эвазига берилган кумуш тахминан 55 граммга тўғри келади.

18:21 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Левилар 27:30-33, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

19:6 *иссоп ўти* — бу ўриндаги ибронийча сўз майда кўк гулли, барглари муаттар ҳидли ўсимликни билдиради.

20:1 *Биринчи ой* — иброний календарининг Абиб ойи назарда тутилган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

20:1 *Зин чўли* — Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган.

20:1 *Кадеш* — 13:27 изоҳига қаранг.

20:3 *Биз ҳам...қирилиб кетсак бўлмасмиди–я!* — 16:41-49 га қаранг.

20:13 *Марива* — ибронийчадаги маъноси *нолимоқ*.

20:14 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди.

20:14 *Биз…сизнинг жигарингизмиз* — Исроил халқи Ёқубдан, Эдом халқи эса Ёқубнинг акаси Эсовдан келиб чиққан эди.

20:17 *Шоҳ йўли* — бу йўл қадимги пайтларда муҳим савдо йўли эди. У Ўлик денгизнинг шарқида жойлашган бўлиб, ҳозирги Иорданиянинг ҳудудини кесиб ўтар эди. Бу йўл Орамдаги Дамашқ шаҳрини Ақаба қўлтиғининг шимолий қирғоғи билан боғлар эди.

21:1 *Нагав чўли* — 13:18 изоҳига қаранг.

21:3 *Хўрмах* — ибронийчадаги маъноси *вайрон қилиш*.

21:4 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади.

21:9 *Мусо бронзадан илонни ясаб…* — ибронийчада *бронза* ва *илон* сўзлари ўзаро оҳангдош.

21:13 *Арнон сойлиги* — Арнондаги сой ғарб томонга оқиб, Ўлик денгизга қуйилади.

21:14 *“Эгамизнинг жангномаси” китоби* — жанг ҳақидаги қадимий жангнома достонлару қўшиқлар мажмуаси бўлиши мумкин. Бу китоб ҳозирги кунгача сақланиб қолмаган.

21:16 *Бэр* — ибронийчадаги маъноси *қудуқ*.

21:18 *Салтанат ҳассалари* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

21:20 *Фисгах тоғ тизмаси* — Ўлик денгизнинг шимолий қирғоғидан қарийб 15 километр шарқда жойлашган. Фисгах деб, Мўаб текислигидан то ғарбдаги Аборим тоғларигача чўзилган тоғ тизмасига нисбатан айтилган бўлиши мумкин. Бу тизманинг энг баланд нуқтаси Наво тоғининг чўққиси эди (Қонунлар 34:1 га қаранг).

21:22 *Шоҳ йўли* — 20:17 изоҳига қаранг.

21:24 *Явоқ дарёси* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган бу дарё Ўлик денгиздан қарийб 50 километр шимолда Иордан дарёсига қуйилади.

21:25 *Хашбон шаҳри* — Фисгах тоғ тизмасидан қарийб 10 километр шарқда жойлашган.

21:29 *Хамўш* — Мўаб халқининг худоси.

21:33 *Башан ўлкаси* — Жалила кўлининг шимоли–шарқида жойлашган.

22:36 *Ир шаҳри* — ёки *Мўаб юртидаги шаҳар*.

22:41 *Бомўт–Баал* — ибронийчадаги маъноси *Баал саждагоҳлари*.

23:7 *Орам* — бу ер Фурот дарёси бўйида жойлашган бўлиб, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолий қисмини ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқий қисмини қамраб оларди (22:5 га қаранг).

23:14 *Фисгах тоғ тизмаси* — 21:20 изоҳига қаранг.

23:23 *Ёқуб наслига…Исроилга қарши фолбинлик асло ўтмайди* — ёки *Ёқуб насли орасида сеҳр–жоду йўқ, Исроилда фолбинлик йўқ*.

23:28 *Пиёр тоғи* — Фисгах тоғ тизмасидан қарийб 5 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

24:6 *пальмазор* — ёки *водий*.

24:7 *Ўгах* — Омолек халқининг шоҳи бўлиб, Омолеклар Исроил халқининг душмани эдилар (Чиқиш 17:8-16, Қонунлар 25:17-19 га қаранг).

24:17 *Салтанат ҳассаси* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

24:17 *чегаралар* — ёки *пешаналар*. Қадимий юнонча таржимада *шаҳзодалар*.

24:17 *Шет халқи* — Исроил халқи Канъон юртини қўлга киритишдан олдин ўша юртнинг чўлларида истиқомат қилган халқ назарда тутилган бўлиши мумкин.

24:17 *ерлар* — ёки *бош суяклар*.

24:18 *Сеир* — Эдом юртига қарашли бўлган тоғли ерлар.

24:19 *Ир* — ёки *шаҳар*.

24:20 *Омолек халқи* — шу бобнинг 7–ояти изоҳига қаранг.

24:22 *Ошур халқи* — Оссурия халқининг аждоди (шу бобнинг 24–оятида ҳам бор).

24:24 *Кипр* — ибронийча матнда *Киттим*, Кипрнинг қадимги номи.

25:1 *Шитим* — Ўлик денгизнинг шимоли–шарқида, Мўаб текислигида жойлашган.

25:5 *ҳакамлар* — махсус йўлбошчилар. Эҳтимол, улар бутун қабилага ёки қабиланинг бир қисмига жавобгар бўлган.

25:6 *Мидиёнлик* — мазкур оятда бу ном Иордан дарёсининг шарқ томонида яшайдиган, Мўаб халқи билан аралашиб кетган бир халққа ишора қилади. Уларнинг устидан Мўаб шоҳи ҳукмронлик қилган бўлиши мумкин (22:1-7 га қаранг).

26:5 *Исроил* — Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

26:9 *Кўрахнинг издошлари Эгамизга қарши исён кўтаришганда…* — 16:1-35 га қаранг.

26:19-20 *…Ғур ва Ўнан Канъон юртида оламдан ўтган эдилар* — Ибтидо 38:1-10 га қаранг.

26:42 *…Хушимдан Хушим…* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шухом*. Унинг Хушим деган шакли Ибтидо 46:23 дан олинган.

26:55 *…қуръа ташланглар* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

26:61 *Надов ва Абиҳу…нобуд бўлган эдилар* — 3:1-4 га ва Левилар 10:1-2 га қаранг.

26:65 *…Эгамиз…айтганди* — 14:26-35 га қаранг.

27:12 *Аборим тизмаси* — Ўлик денгизнинг шимолий қирғоғидан шарқда жойлашган.

27:13 *Ўша юртни кўрганингдан кейин…оламдан ўтасан* — Қонунлар 34:1-8 га қаранг.

27:14 *Марива сувлари бўйида…муқаддаслигимни намоён қилмадингизлар* — 20:1-13 га қаранг.

27:14 *Ўша Марива сувлари* — Рафидим ёнидаги Марива эмас, балки бошқа

жойдир (Чиқиш 17:1-7 га қаранг).

27:18 *Унда Менинг Руҳим бор* — ибронийча матнда *Унда бир руҳ бор*. Бу ўринда *руҳ* сўзи Худонинг Руҳига ишора қилган бўлиши мумкин. Эски Аҳдда Худонинг Руҳи махсус вазифани бажарган инсонларга, жумладан, йўлбошчиларга берилган эди. Бироқ руҳ сўзи йўлбошчилик вазифаси учун зарур бўлган лаёқат ва қобилиятни билдирган бўлиши ҳам мумкин. Қобилиятлар Худодан берилган инъом бўлгани учун иккала вариантнинг ҳам маъноси бир–бирига яқин.

27:18 *Ёшуага қўлингни қўй* — бу ҳаракат Мусонинг йўлбошчилик вазифаси Ёшуага топширилишининг рамзи эди.

27:21 *Элазар Урим орқали…иродамни билиб берсин* — айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалардан фойдаланишарди. Бу оятда фақат Урим тилга олинган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

28:5 *икки коса* — ибронийча матнда *чорак хин*, тахминан 1 литрга тўғри келади (шу бобнинг 7–оятида ҳам бор).

28:5 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

28:9 *саккиз коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан икки қисми*, тахминан 4 литрга тўғри келади (шу бобнинг 12, 20, 28–оятларида ҳам бор).

28:12 *ўн икки коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан уч қисми*, тахминан 6 литрга тўғри келади (шу бобнинг 20, 28–оятларида ҳам бор).

28:14 *тўрт коса* — ибронийча матнда *ярим хин*, тахминан 2 литрга тўғри келади.

28:14 *уч коса* — ибронийча матнда *хиннинг учдан бир қисми*, тахминан 1,3 литрга тўғри келади.

28:14 *икки коса* — ибронийча матнда *чорак хин*, тахминан 1 литрга тўғри келади.

28:15 *кунда куйдириладиган қурбонликлар* — шу бобнинг 1-8–оятларига қаранг.

28:16 *Биринчи ой* — 20:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

28:16 *Фисиҳ зиёфати* — Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланган зиёфат (Чиқиш 12:1-42 га қаранг).

28:23-24 *кунда эрталаб куйдириладиган қурбонлик* — шу бобнинг 1-8–оятларига қаранг.

28:26 *Ҳосил байрами* — ибронийча матнда *Ҳафталар байрами*, Ҳосил байрамининг яна бир номи. Бу байрам Фисиҳ зиёфатидан кейин, 50 кун ўтгач нишонланади (Левилар 23:15-16 га қаранг).

28:31 *кунда куйдириладиган қурбонликлар* — шу бобнинг 1-8–оятларига қаранг.

29:1 *Еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

29:3 *ўн икки коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан уч қисми*, тахминан 6 литрга тўғри келади (шу бобнинг 9, 14–оятларида ҳам бор).

29:3 *саккиз коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан икки қисми*, тахминан 4 литрга тўғри келади (шу бобнинг 9, 14–оятларида ҳам бор).

29:4 *тўрт коса* — ибронийча матнда *эфанинг ўндан бир қисми*, тахминан 2 литрга

тўғри келади (шу бобнинг 10, 15–оятларида ҳам бор).

29:6 *ҳар ойнинг бошида ва кунда куйдириладиган қурбонликлар* — 28:1-15 га қаранг.

29:7 *Еттинчи ой* — шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

29:11 *кунда куйдириладиган қурбонликлар* — 28:1-8 га қаранг.

29:12 *Еттинчи ой* — шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

29:16 *кунда куйдириладиган қурбонлик* — 28:1-8 га қаранг.

29:38 *кунда куйдириладиган қурбонлик* — 28:1-8 га қаранг.

30:15 *бир кун ичида* — ёки *бир неча кун ичида*.

31:2 *Исроил халқи учун Мидиёнлардан қасос ол* — 25:1-18 оятларга ва 25:6 изоҳига қаранг.

31:6 *муқаддас ашёлар* — Урим ва Туммим, руҳонийнинг либослари ва Аҳд сандиғи назарда тутилган бўлиши мумкин (Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Финхаз жанг пайтида шу ашёлардан фойдаланиб, Худодан йўл–йўриқ ва мадад сўраган бўлиши мумкин.

31:8 *...Баломни ҳам қиличдан ўтказишди* — Мўаб ва Мидиён халқлари билан қилган ҳамкорлиги учун Балом Исроил халқининг душмани ҳисобланган эди (25:1-5, 16-18, 31:16 га ва Қонунлар 23:4-5 га қаранг).

31:16 *...Пиёр тоғида...* — 25:1-9 га қаранг.

31:23 *покланиш суви* — 19:9 га қаранг.

31:50 *Ўзимизни Эгамиз ҳукмидан ҳимоя қилиш учун...* — қадимги Исроилда одамларни санаш хавфли ҳисобланар эди (1 Шоҳлар 24–бобга қаранг), чунки бутун одамзод Худога тегишли, деб ҳисобланган ҳамда санаш эгалик маъносини билдирган. Бундан ташқари, одамларни санаш Худога ишонмасликни ҳам билдириши мумкин. Одамларни санаш лашкарнинг сонига иониш ва сохта хавфсизлик ҳиссини вужудга келтириши мумкин эди. Одамларни санаш ҳукмга олиб келиши мумкин бўлгани учун, мана шу парчада йўлбошчилар Худога назрлар келтириб, ўзларининг Худога бўлган қўрқувларини намоён этганлар. Шу йўл билан улар ўзларини ҳимоя қилганлар.

31:52 *ўн икки пудга яқин* — ибронийча матнда *16.750 шақал*, тахминан 190 килога тўғри келади.

32:1 *Язир ва Гилад ерлари* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

32:5 *...Иордан дарёсининг нариги томонига...* — яъни Иордан дарёсининг ғарб томонига.

32:8 *Мен оталарингизни...жўнатганимда...* — 13:1-25 га қаранг.

32:17 *...қуролланиб...* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *...шошилиб...*.

32:33 *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярми назарда тутилган (Ёшуа 13:8, 29-31 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган эди (Ёшуа 22:7 га қаранг).

32:41 *Ёвир шаҳарлари* — ибронийча матнда *Хавот–Ёвир*, маъноси *Ёвир шаҳарлари*.

33:3 *Биринчи ой* — 20:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

33:8 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *денгиз*. Бу оятдаги мана шу ном остида ҳозирги Суэц қўлтиғи (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиқ) ёки Суэц қўлтиғи ва Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган кўллардан бири назарда тутилган. Чиқиш 14:10-31 даги ҳодисаларнинг тафсилотига кўра, бу денгиз катталигидан Исроил халқига тўсиқ бўлган, чуқурлигидан Миср лашкари чўкиб кетган.

33:10 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Суэц қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиққа) ишора қилади (шу бобнинг 11–оятида ҳам бор).

33:11 *Син саҳроси* — Синай ярим оролидаги бу саҳронинг айнан қаерда жойлашгани маълум эмас.

33:14 *...Рафидимда...ичимлик суви йўқ эди* — Чиқиш 17:1-7 га қаранг.

33:38 *бешинчи ой* — иброний календарининг Ав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июлнинг ўртасидан бошланади.

33:40 *Нагав чўли* — 13:18 изоҳига қаранг.

33:45 *Ивай–Аборим* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Ийим*.

33:47 *Аборим тоғлари* — 27:12 изоҳига қаранг.

33:54 *...қуръа бўйича...* — 26:55 изоҳига қаранг.

34:3 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Туз денгизи* (шу бобнинг 12–оятида ҳам бор).

34:4 *Чаёнлар довони* — ибронийча матнда *Акрабим довони*, маъноси *чаёнлар довони*.

34:5 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна Ибтидо 15:18 ва Ёшуа 13:3, 15:4, 47 га қаранг).

34:7 *Ҳўр тоғи* — шимолда жойлашган бу тоғ 20:22 ва 33:37-39 да тилга олинган Ҳорун вафот этган Ҳўр тоғи эмас.

34:8 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

34:11 *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет кўли*, ўша вақтда Жалила кўли ва унинг атрофидаги ерлар шу ном билан ҳам аталарди.

34:13 *...қуръа ташлаб...* — 26:55 изоҳига қаранг.

35:4 *1000 тирсак* — тахминан 450 метрга тўғри келади.

35:5 *2000 тирсак* — тахминан 900 метрга тўғри келади.

35:9-10 *...Иордан дарёсининг нариги томонига...* — яъни Иордан дарёсининг ғарб томонига.

36:2 *...қуръа бўйича...* — 26:55 изоҳига қаранг.

36:2 *Эгамиз сизга...инимиз Залофходнинг мулкини қизларига беришингизни айтган эди* — 27:1-11 га қаранг.

36:4 *Қутлуғ йил* — Исроил халқи табаррук деб билган йил. Шу йил давомида ҳамма сотиб олинган мулк ўзининг асл эгаларига қайтариб берилиши керак эди (Левилар 25:8-55, 27:17-24 га қаранг). Аммо Қутлуғ йилга оид бўлган бу қонун–қоидаларни Залофходнинг қизлари вазиятида қўллаб бўлмас эди, чунки

қизлар ўз ерини сотгани сабабли эмас, балки турмушга чиққанлари сабабли уларнинг ери ўз қабиласидан айириб олинган бўларди.

ҚОНУНЛАР
(ТАВРОТНИНГ БЕШИНЧИ КИТОБИ)

Кириш

Қонунлар китоби Тавротнинг бешинчи китобидир. Мазкур китоб Мусонинг Мўаб юртида Исроил халқига сўзлаган нутқларидан ташкил топган. Мусо бу нутқларини Исроил халқининг саҳродаги узоқ саёҳатидан кейин сўзлаган эди. Ўша пайтда Исроил халқи Худо ваъда қилган Канъон юртига кириш арафасида эди.

Китоб таркибидаги нутқларнинг энг муҳим мавзулари қуйидагичадир:

Мусо Исроил халқига қирқ йил давомида бўлиб ўтган энг муҳим ҳодисаларни эслатади. Шу билан бирга, халқни Худога содиқ ва итоаткор бўлишга ундайди. Мусо уларга шундай деб уқтиради: “Эгангиз Худо сизларга саҳрода ғамхўрлик қилганини ёдингизда тутинглар.”

Мусо ўнта амр ҳақида гапирар экан, биринчи амрга алоҳида урғу бериб, халқ фақат Худога сажда қилиши кераклигини таъкидлайди. Бутларга сажда қилишни эса қатъиян ман этади. Сўнг Исроил халқининг ҳаётига оид турли хил қонунларга тўхталиб ўтади.

Мусо халққа Худо билан тузилган аҳднинг маъносини эслатади. Халқни аҳд мажбуриятларига содиқ бўлишга чақиради. Худога итоаткорлик барака келтиришини, итоатсизлик эса лаънатга дучор қилишини уқтиради.

Мусо Худо халқининг навбатдаги йўлбошчиси қилиб Ёшуани тайинлайди. Сўнг Худонинг содиқлигига бағишланган бир куйни ижро этади, Исроил қабилаларини бирма–бир дуо қилади. Мусо Иордан дарёсининг шарқ томонидаги Мўаб юртида оламдан ўтади.

Китобнинг моҳияти шундан иборатки, Худо Ўзи танлаган севимли халқини қутқарди, уларга барака берди. Исроил халқи буни ёдда тутиши, Худони севиб, Унга итоат этиши лозим эди. Шундагина улар омон қоладилар ва фаровон ҳаётга эга бўладилар.

Мазкур китобнинг 6:4-5–оятлари муҳим ҳисобланади. Исо Масиҳ бу оятлардаги қуйидаги сўзларни амрларнинг энг буюги деб айтади: “Эй Исроил, қулоқ сол! Эгамиз Худо танҳо Эгадир. Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан севинглар.”

1–БОБ

Синай тоғидаги воқеаларнинг қайд қилиниши

1 Мазкур китобда Мусонинг Исроил халқига айтган нутқи баён қилинган. Ушбу
нутқини у Иордан дарёсининг шарқ томонидаги чўлда* айтган эди. Бу чўл Суф
деган жойнинг қаршисида жойлашган бўлиб, унинг бир томонида Порон шаҳри,
қарама–қарши томонида Тофал, Лобон, Хазерўт ва Дизахаб* шаҳарлари бор эди.
2 (Синай тоғидан* Кадеш–Барнагача Сеир тоғлари бўйлаб* ўн бир кунлик
йўлдир*.) 3 Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин, қирқинчи йилнинг ўн
биринчи ойи* биринчи кунида Мусо уларга Эгамизнинг амр этган сўзларини
айтди. 4 Бундан олдин у Хашбонда ҳукмронлик қилган Амор халқининг шоҳи

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Сихўнни ҳамда Аштарўт ва Эдрей шаҳарларида ҳукмронлик қилган Башан шоҳи Ўгни мағлуб қилган эди. 5 Иорданнинг шарқ томонида, Мўаб юртида Мусо бу қонунларни Исроил халқига қуйидагича тушунтира бошлади:

6 Эгамиз Худо Синай тоғида бизга шундай деди: “Бу тоғда анча вақт туриб қолдингизлар. 7 Энди йўлга тушинглар, Амор халқининг қирларига ва уларга қўшни бўлган Канъон халқининг юртига боринглар. Бу ўлкага Иордан водийси*, қирлар, ғарбдаги қир этаклари, Нагав чўли*, Ўрта ер денгизининг қирғоғи, Лубнон ва буюк Фурот дарёсигача бўлган ерлар киради. 8 Мана шу ерларни сизларга беряпман. Боринглар, ўша юртни мулк қилиб олинглар. Мен, Эгангиз, бу ерларни ота–боболарингиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга ҳамда уларнинг авлодларига бераман, деб онт ичганман.”

Мусо ҳакамларни тайинлайди

9 Биз Синай тоғида турган пайтимизда мен сизларга шундай деган эдим: “Бир ўзим оғирлигингизни кўтара олмайман. 10 Эгангиз Худо сизларни кўпайтирди. Мана, бугун сизлар осмондаги юлдузлардай сон–саноқсиз бўлдингиз.
11 Ота–боболарингизнинг Худоси — Эгангиз Ўз ваъдасига мувофиқ сизларни яна минг карра кўпайтирсин, сизларга барака берсин. 12 Бир ўзим сизнинг оғирлигингизни, муаммолару жанжалларингизни кўтара олармидим?! 13 Энди ҳар бир қабилангиздан доно, ақл–идрокли ва обрўли кишиларни танлаб олинглар. Мен ўша одамларни сизларга йўлбошчилар қиламан.”

14 Сизлар менга: “Режангиз яхши”, деб жавоб бердингизлар.

15 Шунда мен доно ва обрўли қабила йўлбошчиларингизни устингиздан назоратчи қилиб тайинладим. Уларга мингбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши ва турли назоратчилар вазифаларини бўлиб бердим. 16 Ўша вақтда ҳакамларингизга шундай деб буюрган эдим: “Биродарларингиз орасидаги муаммоларга яхшилаб қулоқ солинг. Ҳукмингиз тўғри бўлсин, Исроил халқи орасидаги муаммоларни ҳамда қондошингиз билан мусофир орасидаги муаммоларни тўғри ҳукм қилинг.
17 Ҳукмда тарафкашлик қилманг. Каттага ҳам, кичикка ҳам бирдай қулоқ солинг. Одамлардан қўрқманг, чунки ҳукм Худоникидир. Ўзингиз еча олмаган масалаларни менга олиб келинг, уларни ўзим ечаман.”

18 Қилишингиз лозим бўлган ҳаммасини ўшанда сизларга айтдим.

Исроил халқи Канъон юртига айғоқчиларни юборади

19 Кейин Эгамиз Худо буюрганидай биз Синай тоғидан кетдик. Ўзларингиз кўрган кенг ва ваҳимали саҳро орқали Амор халқининг қирларига борадиган йўлдан юриб, Кадеш–Барнага бордик. 20 Шундан кейин мен сизларга айтдим: “Мана, Эгамиз Худо бизга бераётган Амор халқининг қирларига етиб келдик.
21 Қаранглар, мана шу ерларнинг ҳаммасини Эгангиз Худо сизларга берди. Қани, энди боринглар, ота–боболарингизнинг Худоси — Эгангизнинг ваъдасига мувофиқ ўша ерни қўлга киритинглар. Қўрқманглар, ваҳимага тушманглар.”

22 Сизлар ҳаммангиз олдимга келиб айтдингизлар: “Бормасимиздан олдин одамлар юборайлик. Улар ўша юртни текширсин. Биз борадиган йўл ва босиб оладиган шаҳарлар ҳақида хабар олиб келишсин.”

23 Режангиз менга маъқул бўлди. Орангиздан ўн икки кишини, ҳар бир қабиладан биттадан одамни танлаб олдим. 24 Улар қирларга чиқдилар, Эшкўл* водийсигача етиб бориб, ўша юртни текширдилар. 25 У юртнинг меваларидан бизга олиб келдилар. “Эгамиз Худо бизга берган юрт яхши экан”, деб айтдилар.

26 Лекин сизлар бу юртга боришдан бош тортдингизлар, Эгангиз Худонинг амрига қарши чиқдингизлар. 27 Чодирларингизда минғирлаб шундай дедингиз:

“Эгамиз бизни ёмон кўради. У бизни Амор халқининг қўлига бериб, ўлдириш учун Мисрдан олиб чиқди. 28 Қаерга кетяпмиз ўзи?! Биродарларимиз юрагимизни ёриб бўлди–ку! У ердаги одамлар биздан кучлироқ, бўйлари ҳам баландроқ эканини айтишди. Уларнинг улкан шаҳарлари осмонўпар деворлар билан ўралган экан! У ерда ҳатто Оноқ авлодини* ҳам кўришган экан.”

29 Шунда мен сизларга дедим: “Ваҳимага тушманглар, улардан қўрқманглар. 30 Эгангиз Худонинг Ўзи олдингизда юради. Кўзингиз олдида Мисрда жанг қилгандай, сизлар учун жанг қилади. 31 Эгангиз Худо сизларга саҳрода ғамхўрлик қилганини ўзингиз кўрдингиз. У сизларни шу ергача, худди ота ўғлини опичлагандай, бутун йўл бўйи кўтариб келди. 32 Шунда ҳам сизлар Эгангиз Худога ишонмаяпсиз. 33 У эса қароргоҳ қуришингиз учун жой қидириб, олдингизда юрарди. Юрадиган йўлингизни кўрсатиб, кечаси устун шаклидаги аланга ичида, кундузи эса устун шаклидаги булут ичида борарди*.”

Эгамиз Исроил халқини жазолайди

34 Эгамиз нолиганингизни эшитиб, ғазабланди. У онт ичиб деди: 35 “Мен ота–боболарингизга ваъда қилган ҳосилдор юртга бу қабиҳ наслнинг бирортаси ҳам кирмайди. 36 Ўша юртни фақат Яфунах ўғли Холиб кўради. У Менга содиқ қолди. Шунинг учун қадами етган ерни унга ва унинг авлодига бераман.”
37 Сизларни деб Эгамиз мендан ғазабланиб* айтди: “Сен ҳам у ерга кирмайсан. 38 У юртга ёрдамчинг Нун ўғли Ёшуа киради. Унга далда бер. Юртни халққа мулк қилиб, олиб берадиган ўшадир. 39 Ўшанда сизлар, болаларимиз душманларга ўлжа бўлади, деб айтган эдингизлар. Болаларингиз ҳануз яхши билан ёмоннинг фарқига бормайди, аммо юртга кирадиган ўшалардир. Мен у юртни болаларингизга бераман. Ҳа, улар ўша юртни эгаллаб оладилар. 40 Сизлар эса саҳрога қайтинглар! Қизил денгизга* борадиган йўлдан кетинглар.”

41 Эгамизнинг бу гапларидан кейин, сизлар менга шундай дедингизлар: “Эгамизга қарши гуноҳ қилдик. Энди бориб, Эгамиз Худо бизга амр қилганидек, жанг қиламиз.” Сизлар, ўша қирларни қўлга киритиш осон бўлади, деб ўйлаб, жанг қуролларингизни олдингиз.

42 Лекин Эгамиз менга шундай деди: “Уларга айт, боришмасин. Жанг қилиб юришмасин. Ахир, Мен улар билан бўлмайман. Акс ҳолда, душманлари уларни мағлуб қилади.” 43 Сизларга шундай десам ҳам, менга қулоқ солмадингизлар. Эгамизнинг амрига қарши чиқиб, ўзбошимчалик билан қирларга чиқдингизлар. 44 Ўша қирларда яшайдиган Амор халқи қаршилик кўрсатиб, сизларни арилар каби, қувдилар. Сизларни Сеирда* тор–мор қилдилар. Хўрмахгача таъқиб қилиб, қириб ташладилар. 45 Омон қолганингиз қайтиб келиб, Эгамизга фарёд қилдингизлар. Лекин Эгамиз на нолангизга қулоқ солди, на сизларга эътибор берди.

46 Шундай қилиб, Кадеш–Барнада анча турдингиз, бирмунча вақт у ерда қолиб кетдингиз.

2–БОБ

Саҳрода ўтган йиллар

1 Эгамиз менга айтганидай, биз Қизил денгиз* томондаги саҳрога қайтдик. Сеир тоғлари* атрофида кўп вақт юрдик.

2 Эгамиз менга шундай деди: 3 “Бу қирлар атрофида шунча айланиб юрганингиз етади. Энди шимол томонга боринглар. 4 Бу халққа Мендан шундай буйруқ бергин: «Сеир юртида яшайдиган биродарларингиз* — Эсов авлодининг

ерларидан ўтасизлар. Улар сиздан қўрқишади. Аммо эҳтиёт бўлинглар, 5 улар
билан жанг қилманглар. Мен сизларга у ернинг бир қаричини ҳам бермайман,
чунки Мен Сеир тоғларини Эсов авлодига мулк қилиб берганман. 6 Улардан
овқатни кумушга сотиб олиб енглар, сувни ҳам кумушга сотиб олиб ичинглар.
7 Мен, Эгангиз Худо, ҳар бир ишингизда сизларга барака бердим. Шу бепоён
саҳрода юрганингизда сизларни ҳимоя қилдим. Қирқ йилдан бери Мен сизлар
билан биргаман, сизлар ҳеч қандай камчилик кўрмадингизлар.»”

8 Шундай қилиб, биз Сеирда яшовчи биродарларимиз — Эсов авлодининг
еридан ўтиб кетдик. Элет ва Эзйўн–Гебердан* Иордан водийсига* кетган йўлдан
юрдик. Сўнгра Мўаб чўли томон бурилиб кетдик. 9 Шунда Эгамиз менга деди:
“Мўабликлар билан жанжаллашиб, уруш бошламанглар. Мен сизларга уларнинг
еридан мулк бермайман, чунки Ор* ҳудудини Мен Лут авлодига* мулк қилиб
берганман.”

10 (Олдин у ерда Эйим халқи яшаган эди. Улар кўпчилик бўлиб, кучли, Оноқ
авлоди сингари баланд бўйли халқ эди. 11 Эйим халқи ва Оноқ авлодлари, одатда,
Рафа халқи* деб аталарди. Аммо Мўабликлар уларни Эйим халқи деб аташарди.
12 Сеирда анча олдин Хорим халқи яшаган. Аммо Эсов авлоди* ўша ерларни
улардан тортиб олганди. Исроил халқи Эгамиз мулк қилиб берган юртда
халқларни йўқ қилгандай, Эсов авлоди ҳам Хорим халқини йўқ қилиб, уларнинг
ерларига жойлашиб олган эди.)

13 Эгамиз: “Қани, энди отланинглар, Зарад сойлигидан* ўтинглар”, — деб амр
берди. Биз Зарад сойлигидан ўтдик. 14 Кадеш–Барнадан чиқишимизга ва Зарад
сойлигидан ўтишимизга 38 йил кетди. Эгамиз онт ичиб айтганидай, бу вақт
оралиғида ўша наслнинг урушга яроқли бўлган одамлари оламдан ўтиб кетди.
15 Дарҳақиқат, Эгамиз уларга қарши Ўз қўлини кўтариб, қароргоҳдаги ҳамма
урушга яроқлиларни қириб ташлади.

16 Урушга яроқли бўлганларнинг ҳаммаси ўлиб, халқ орасидан йўқ бўлгандан
кейин, 17 Эгамиз менга шундай деди: 18 “Бугун Ор шаҳридан ўтасизлар, Мўаб
юртининг шимолий чегарасини кесиб, 19 Оммон халқининг ерига
яқинлашасизлар. Лекин улар билан жанжаллашиб, уруш бошламанглар. Сизларга
уларнинг еридан бир парча ҳам бермайман. Бу ерни Мен Лут авлодига* мулк
қилиб берганман.”

20 (Илгарилари бу ер Рафа халқининг юрти эди. Бу ерда Рафа халқи яшаган
эди. Оммон халқи эса уларни Замзум халқи деб аташарди. 21 Бу халқ кучли, кўп
бўлиб, Оноқ авлоди сингари баланд бўйли эди. Аммо Эгамиз уларни йўқ қилди.
Оммон халқи уларнинг ерини қўлга киритиб, ўша ерга жойлашиб олганди.
22 Сеирда яшаётган Эсов авлоди учун ҳам Эгамиз худди шундай қилган эди. Хорим
халқини Эгамиз йўқ қилди. Эсов авлоди Хорим халқининг ерини қўлга киритиб,
уларнинг ўрнига ўзлари жойлашиб олишди. Улар ҳозиргача ўша ерда яшайди.
23 Авим халқи эса жанубдаги Ғазогача бўлган қишлоқларда яшарди. Аммо
Хафтўрдан келган Хафтўр халқи* уларни йўқ қилиб, ўринларига ўзлари
жойлашиб олишганди.)

Исроил халқи шоҳ Сихўнни енгади

24 Биз Мўаб юртидан ўтганимиздан кейин, Эгамиз шундай деди: “Энди
отланиб, йўлга тушинглар, Арнон сойлигидан* ўтинглар. Мен Амор халқининг
Хашбонда яшайдиган шоҳи Сихўнни ва унинг ерини сизларнинг қўлингизга
бераман. Унга ҳужум қилиб, жанг бошланг, унинг юртини эгаллаб олинг. 25 Мен
шундай қиламанки, бугундан бошлаб бутун ер юзидаги халқлар сизлардан
қўрқиб, ваҳимага тушадиган бўлишади. Номингизни эшитганлар сизлардан

қўрққанидан қалтирайдиган бўлади.”
26 Шундан кейин мен Кадамўт чўлидан Хашбон шоҳи Сихўнга чопарлар орқали
қуйидагича дўстона гапларни етказдим: 27 “Бизга юртингиз орқали ўтиб кетишга
ижозат берсангиз. Ўнгга ҳам, чапга ҳам қайрилмай, тўғри йўлдан кетамиз.
28 Овқатни биз сиздан кумушга сотиб олиб, еймиз, сувни ҳам сиздан сотиб олиб
ичамиз, фақат пиёда юриб ўтишимизга рухсат берсангиз бўлди. 29 Сеирда
яшаётган Эсов авлоди ҳам, Ор шаҳрида яшаётган Мўабликлар ҳам ижозат берган
эди. Уларнинг ерларидан ўтиб келдик. Улар сингари, сиз ҳам ижозат беринг,
ерингиздан ўтиб кетайлик. Иордандан ўтиб, Эгамиз Худо бизга берадиган юртга
етиб олайлик.”
30 Бироқ Хашбон шоҳи Сихўн еридан ўтиб кетишимизга рухсат бермади.
Сизлар бугун яшаб юрган ерни қўлга киритишингиз учун Эгангиз Худо
Сихўннинг юрагини тош қилиб, ўжар қилиб қўйганди.
31 Эгамиз менга шундай деди: “Мен Сихўнни ва унинг юртини сенинг қўлингга
беряпман. Унинг юртини забт эта бошла.” 32 Сихўн жамики лашкарини бошлаб,
биз билан жанг қилгани Яхаз шаҳрига чиқди. 33 Аммо Эгамиз Худо уни бизнинг
қўлимизга берди. Сихўнни, унинг жамики лашкарини, фарзандларини йўқ қилиб
ташладик. 34 Сихўннинг ҳамма шаҳарларини босиб олиб, бирортасини ҳам
қолдирмай вайрон қилдик. Эркаклари, аёллари ва болаларидан бирортасини ҳам
тирик қолдирмадик. 35 Мағлуб қилган шаҳарларимиздан фақат чорва ва
бойликларни ўзимизга ўлжа қилиб олдик. 36 Арнон сойлигининг четида
жойлашган Арор шаҳридан ҳамда сойликдаги* шаҳардан тортиб, то Гиладгача
бўлган бирорта шаҳар бизнинг куч–қудратимизга дош беролмади. Чунки Эгамиз
Худо ҳаммасини бизнинг қўлимизга берган эди. 37 Аммо биз Явоқ дарёси*
бўйидаги Оммон халқининг ерларига ва қирлардаги уларнинг шаҳарларига
ҳужум қилмадик. Чунки Эгамиз Худо бизга у ерларни босиб олишни ман
қилганди.

3–БОБ

Исроил халқи шоҳ Ўгни мағлуб қилади

1 Кейин биз Башан ўлкасига йўл олдик. Башан шоҳи Ўг ўзининг жамики
лашкарини бошлаб, Эдрей шаҳри яқинида биз билан жанг қилгани чиқди.
2 Шунда Эгамиз менга деди: “Ўгдан қўрқма. Мен унинг ўзини, лашкарини ва бутун
юртини сенинг қўлингга берганман. Сен Ўгнинг бошига Хашбонда ҳукмронлик
қилган Амор халқининг шоҳи Сихўннинг кунини соласан.”
3 Эгамиз Худо Башан шоҳи Ўгни ва унинг бутун лашкарини бизнинг қўлимизга
берди. Биз уларнинг ҳаммасини битта қолдирмай қириб ташладик. 4 Унинг ҳамма
шаҳарларини — олтмишта шаҳрини олдик. Башандаги Ўгнинг шоҳлигига кирган
бутун Аргоб ҳудудини қўлга киритдик, биз олмаган бирорта ҳам шаҳар қолмади.
5 Бу мустаҳкам шаҳарларнинг ҳаммаси баланд деворлар билан ўралган,
дарвозалари тамбаланган эди. Булардан ташқари, девор билан ўралмаган кўп
қишлоқлар ҳам бор эди. 6 Биз Хашбон шоҳи Сихўннинг шаҳарларини қандай
вайрон қилган бўлсак, Ўгнинг шаҳарларини ҳам шундай вайрон қилдик. Бу
шаҳарларни эркагу аёллари ва болалари билан бирга йўқ қилдик. 7 Ҳамма чорва
ва шаҳарлардаги ўлжани ўзимизга олдик.
8 Шундай қилиб, ўшанда биз Иордан дарёсининг шарқ томонида ҳукмронлик
қилган иккала Амор шоҳини мағлуб қилдик. Жанубдаги Арнон сойлигидан* то
шимолдаги Хермон тоғигача* чўзилган ерларини қўлга киритдик. 9 (Хермон

тоғини Сидонликлар — “Сириён”, Амор халқи — “Санир” деб аташади.) 10 Биз
Башанда ҳукмронлик қилган шоҳ Ўгнинг бутун шоҳлигини, ясси тепаликдаги
ҳамма шаҳарларини, шарқдаги Салко ва Эдрейгача бўлган бутун Гилад ва Башан
ўлкаларини қўлга киритдик.
11 (Рафа халқидан* биргина Башан шоҳи Ўг тирик қолган эди. Унинг ётадиган
ўрни* темирдан* ясалган бўлиб, одатдаги ўлчам бўйича узунлиги тўққиз тирсак,
кенглиги эса тўрт тирсак* эди. Унинг ўрни ҳозир ҳам* Оммон юртининг Рабба
шаҳридадир.)

Иордан дарёсидан шарққа ўрнашган қабилалар

12 Биз ўша ерларни қўлга киритдик. Шунда мен Рубен ва Гад қабилаларига
Арнон сойлиги бўйидаги Арор шаҳрининг шимолидаги ҳудудни, Гилад
қирларининг ярмисини ва атрофдаги қишлоқларни бердим. 13 Манаше
қабиласининг ярмига* эса Гиладнинг қолган қисмини ва Ўгнинг шоҳлиги бўлган
бутун Башанни бердим. (Башан ўлкасидаги Аргоб ҳудуди Рафа халқининг юрти
ҳисобланарди. 14 Манаше қабиласидан бўлган Ёвир бутун Аргоб ҳудудини қўлга
киритди. Бу ҳудуд Гашур ва Махо юртларигача чўзилган эди. Ёвир бу жойга
ўзининг номини берди. Ўша жойлар бугунгача* Ёвир қишлоқлари* деб аталади.)
15 Манаше қабиласининг Мохир уруғига Гиладни бердим. 16 Рубен ва Гад
қабилаларига Гиладдан то Арнон сойлигигача чўзилган ерларни бердим. Арнон
сойлигининг ўртаси иккала қабиланинг чегараси эди. Уларнинг ери Оммон
юртининг чегарасини ташкил қилган Явоқ дарёсигача* чўзилган эди. 17 Уларнинг
ғарбдаги ерлари эса Иордан дарёси бўйлаб, шимолдаги Жалила кўлидан* то
жанубдаги Ўлик денгизгача* ва шарқдаги Фисгах тоғ тизмасининг ён
бағирларигача чўзилган эди.
18 Ўшанда сизларга шундай буюрдим: “Эгангиз Худо бу ерни сизларга мулк
қилиб берди. Ҳамма сипоҳларингиз қуролланиб, дарёдан кечиб ўтсин. Улар
биродарларингиз бўлган Исроил халқини бошлаб борсин. 19 Фақат хотинларингиз
ва фарзандларингиз мен сизларга берган шаҳарларда қолсин. Биламан,
молларингиз жуда кўп, улар ҳам шаҳарларингизда қолаверсин. 20 Эгамиз сизларга
тинчлик ато қилгандай, биродарларингизга ҳам тинчлик ато қилгандан кейин,
улар Иорданнинг нариги томонидаги, Эгангиз Худо бераётган ерни эгаллаб
олгандан кейин, ҳаммангиз мен сизларга берган мана шу ерга қайтиб келсангиз
бўлади.”
21 Ўшанда Ёшуага айтдим: “Эганг Худо ўша иккала шоҳни нима қилганини ўз
кўзинг билан кўрдинг. Сен босиб ўтадиган барча шоҳликларни ҳам Эгамиз худди
шундай аҳволга солади. 22 Улардан қўрқма. Сизлар учун жанг қиладиган Эганг
Худодир.”

Мусога Худо Канъон юртига кириш учун ижозат бермайди

23 Шундан кейин мен Эгамга ёлвордим: 24 “Ё Эгам Раббий! Мен, қулингга Ўз
буюклигинг ва қудратингни эндигина кўрсата бошладинг. Самода ҳам, ерда ҳам
Сенинг ажойиботларингни, буюк ишларингни қила оладиган бошқа худо йўқ!
25 Ижозат бер, мен Иордан дарёсидан ўтай. Дарёнинг нариги томонидаги
ҳосилдор юртни, ўша чиройли қирларни ва Лубнонни кўрай.”
26 Лекин Эгамиз сизлар туфайли мендан ғазаблангани учун* илтижоларимга
қулоқ солмади. У менга шундай деди: “Бўлди қил! Менга бу ҳақда бошқа гапирма.
27 Фисгах тоғ тизмасининг чўққисига* чиқ, ғарбга, шимолга, жанубга ва шарққа
қара. Яхшилаб қараб ол, чунки сен мана шу Иордан дарёсидан кечиб ўтмайсан.
28 Ёшуани хизматга тайинла. Унга далда бериб, руҳлантир. Бу халқни дарёнинг

нариги томонига Ёшуа бошлаб боради. Унинг бошчилигида бу халқ сен кўрадиган ўша ерни эгаллайди.”
29 Шундай қилиб, биз Байт–Пиёр қаршисидаги водийда тўхтадик.

4–БОБ

Мусо Исроил халқини Худога итоат қилишга ундайди

1 Энди, эй Исроил, мен сизларга фармонлар ва қонун–қоидаларни ўргатаман. Уларга риоя қилинглар. Шунда яшайсизлар, ота–боболарингизнинг Худоси — Эгангиз сизларга бераётган ерни мулк қилиб оласизлар. 2 Мен сизларга айтаётган амрларга ҳеч нарса қўшманглар, ҳеч нарса олиб ҳам ташламанглар. Мен сизларга бераётган Эгангиз Худонинг амрларига риоя қилинглар. 3 Эгамиз Пиёр тоғида нималар қилганини* ўз кўзларингиз билан кўрдингизлар. Пиёрдаги Баалга сажда қилган ҳаммани Эгангиз Худо йўқ қилган эди. 4 Эгангиз Худога содиқ бўлганлар эса бугун ҳам тирикдир.

5 Эгам Худо амр қилгандай, сизларга фармонларни ва қонун–қоидаларни ўргатдим. Мулк қилиб олаётган ўша юртда буларга риоя қилинглар. 6 Мана шу фармонлар ва қонун–қоидаларни битта қолдирмай бажаринглар, токи сизларнинг ақл–идрокингизни бошқа халқлар кўрсин. Улар бу қонунлар ҳақида эшитиб: “Ҳа, ҳақиқатан бу буюк халқ доно, ақл–идроклидир”, деб айтсин.

7 Эгамиз Худога ҳар сафар илтижо қилганимизда У бизга яқиндир. Қайси буюк халқнинг шундай худоси бор?! 8 Бугун мен сизларга фармонлар ва қонун–қоидалар беряпман. Қайси буюк халқнинг шундай адолатли қонун–қоидалари бор?! 9 Фақат ҳушёр бўлинглар. Кўзларингиз билан кўрганларингизни унутмай, бир умр юрагингизда сақланглар. Буларни ўғилларингизга, невара–чевараларингизга ҳам айтиб беринглар. 10 Сизлар Синай тоғида*, Эгангиз Худо олдида турган кунингизни эсланглар. Ўша куни Эгамиз менга айтганди: “Менинг ҳузуримга халқни йиғ. Улар сўзларимни эшитиб, ер юзида бутун умрлари давомида Мендан қўрқишни ўргансинлар, болаларига ҳам ўргатсинлар.”

11 Сизлар яқин келиб, тоғнинг этагида турдингизлар. Тоғ эса осмонгача кўтарилган оловга бурканиб, қоп–қора булутлар билан қопланган эди. 12 Эгамиз олов ичидан сизларга гапирди. Сизлар Унинг сўзларини эшитдингизлар, қиёфасини эса кўрмадингизлар. Фақат Эгамизнинг овози эшитилар эди, холос. 13 У Ўз аҳдини сизларга аён қилиб, бу аҳдни — ўнта амрни бажаринглар, деб фармон берди. Эгамиз уларни икки тош лавҳага ёзди. 14 Иорданни кечиб, мулк қилиб оладиган юртда бажаришингиз керак бўлган фармонлар ва қонун–қоидаларни мен сизларга ўргатишимни Эгамиз буюрди.

Бутпарастлик ҳақида огоҳлантириш

15 Синай тоғида Эгамиз олов ичидан сизларга гапирганда, сизлар бирон қиёфа кўрмадингизлар. Шунинг учун эҳтиёт бўлинглар. 16 Яна йўлдан озиб, ўзингизга эркак ё аёл қиёфасидаги бутни, 17 ерда яшайдиган жонивор ё осмонда учиб юрувчи қуш қиёфасидаги бутни, 18 ерда судралиб юрувчи жонивор ёки сувдаги балиқ қиёфасидаги ҳеч қандай бутни ясаманглар. 19 Шунингдек, осмонга қараб, қуёш, ой ва юлдузларни, жамики самовий жисмларни кўриб васвасага тушманглар, уларга сиғинманглар, хизмат қилманглар. Ахир, Эгамиз Худо буларни дунёда яшовчи барча халқлар учун берди. 20 Сизларни эса Эгамиз Ўзи учун танлаб олди. Бугунгидай Унинг халқи бўлишингиз учун сизларни Мисрдан — темир ўчоқ ичидан олиб чиқди. 21 Эгамиз сизларнинг дастингиздан мендан

ғазабланди*: “Мен Исроил халқига мулк қилиб берадиган Иорданнинг нариги томонидаги ўша ҳосилдор юртга сен кирмайсан”, — деб қасам ичди. 22 Мен Иорданнинг нариги томонига ўтолмайман, мана шу ерда вафот этаман. Сизлар эса Иордандан ўтиб, ўша ҳосилдор юртни мулк қилиб оласизлар. 23 Шундай экан, эҳтиёт бўлинглар, Эгангиз Худо сизлар билан қилган аҳдни эсдан чиқарманглар. У тақиқлаган қиёфадаги бирорта бутни ўзларингизга ясаманглар. 24 Ахир, Эгангиз Худо ямламай ютадиган оловдир, У рашкчи Худодир*.

25 Ўша юртда кўп яшайсизлар, болаларингиз, набираларингиз туғилади. Агар ўшанда йўлдан озсангиз, Эгангиз Худонинг олдида қабиҳлик қилиб, ўзингизга турли қиёфадаги бутларни ясасангиз, У ғазабланади. 26 Бугун сизларга қарши еру осмонни гувоҳ қиламан: агар менга итоатсизлик қилсангиз, юртдан тез орада бутунлай қирилиб кетасизлар. Иорданни кечиб, мулк қилиб оладиган юртда узоқ яшамайсизлар. Биттангиз қолмай ҳалок бўласизлар. 27 Эгамиз сизларни бошқа халқларнинг орасига тарқатиб юборади. Ўша халқлар орасида айримларингиз омон қоласизлар. 28 У ерда инсон қўли билан ясалган ёғоч ва тош худоларга хизмат қиласизлар. У худолар кўролмайди, эшитолмайди, овқат ея олмайди, ҳид билмайди. 29 Аммо у ерда Эгангиз Худога юз бурсангиз, бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан Уни изласангиз, топасизлар. 30 Кулфатда қолганингизда, бошингизга кўргиликлар тушганда, охири Эгангиз Худога қайтасизлар, Унинг сўзига қулоқ соласизлар. 31 Ўшанда У сизларни тарк этмайди, йўқ қилмайди, ота–боболарингиз билан қасам ичиб қилган аҳдини унутмайди. Эгангиз Худо раҳмдил Худодир.

32 Энди сизлар дунёга келмасдан олдинги узоқ ўтмишни, Худо ер юзида одамни яратган даврдан шу кунгача бўлган даврни суриштириб кўринглар. Дунёнинг бу четидан у четигача сўранглар–чи, шу қадар муҳим воқеа бўлганми ёки шунга ўхшаш нарса ҳақида бирортаси эшитганми?! 33 Сизларга ўхшаб олов ичидан гапирган Худонинг овозини эшитиб, тирик қолган бирорта халқ борми?! 34 Эгангиз Худо сизлар учун Мисрда нималар қилганини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Қайси худо синовлар, аломату мўъжизалар орқали, уруш, қудратию ажойиботлари ва даҳшатли воқеалар орқали бир халқни Ўзи учун бошқа халқ орасидан олиб чиққан?! 35 “Эгамиз Худодир, Ундан бошқа Худо йўқ”, деб англашингиз учун бу воқеалар сизларга аён қилинган. 36 У сизларга йўл–йўриқ кўрсатиш учун самодан овоз берди. Ер юзида олов устуни орқали сизларга зоҳир бўлди. Сизлар ўша буюк олов ичидан Унинг овозини эшитдингизлар. 37 Эгамиз Худо ота–боболарингизни севар эди. Шунинг учун ўзларидан кейин уларнинг авлодларини танлади. Эгамиз зоҳир бўлиб, Ўзининг буюк қудрати билан сизларни Мисрдан олиб чиқди. 38 Эгамиз сизлардан каттароқ ва кучлироқ халқларни олдингиздан ҳайдаб, уларнинг юртига сизларни киритмоқчи эди, худди бугунгидай, мулк қилиб оладиган ерларингизни сизларга бермоқчи эди.

39 Эгамиз еру самодаги Худодир, Ундан бошқа Худо йўқдир. Шуни бугун тан олиб, доимо юрагингизда сақланг.

40 Бугун мен сизларга Эгамизнинг фармонлари ва амрларини айтяпман, шуларга риоя қилинглар. Шунда ўзларингиз ҳам, наслингиз ҳам фаровон ҳаёт кечирасизлар. Эгангиз Худо абадий қилиб бераётган ўша юртда узоқ яшайсизлар.

Иорданнинг шарқидаги паноҳ шаҳарлар

41 Шундан кейин Мусо Иордан дарёсининг шарқ томонида учта шаҳарни ажратди. 42 Агар кимдир бironта одамни бехосдан, адоват қилмай ўлдирган бўлса, ўша шаҳарлардан бирига қочиб бориб, жонини қутқариши мумкин*. 43 Бу шаҳарлар қуйидагилар эди: Рубен қабиласи учун ясси тепаликдаги Базер шаҳри,

Гад қабиласи учун Гиладдаги Рамўт шаҳри, Манаше қабиласи учун Башандаги Гўлон шаҳри.

Мусо Исроил халқига қонунларни баён қила бошлайди

44 Мусо Исроил халқига қуйидаги қонунларни берди. 45 Исроил халқи Мисрдан
чиққандан кейин, Мусо шу шартлар, фармонлар ва қонун–қоидаларни айтди.
46 Мусо буларни Иордан дарёсининг шарқий қирғоғида, Байт–Пиёр рўпарасидаги
водийда баён қилди. Бу ер илгари Хашбонда ҳукмронлик қилган Амор халқининг
шоҳи Сихўнга қарашли эди. Мусо билан Исроил халқи Мисрдан чиққанларида,
Сихўнни мағлуб қилган эдилар. 47 Исроил халқи Иордан дарёсининг шарқида
яшаган иккала Амор шоҳининг юртларини, яъни шоҳ Сихўннинг ва Башан шоҳи
Ўгнинг юртини босиб олган эди. 48 Бу жойлар Арнон сойлиги этагидаги Арор
шаҳридан Сириён* тоғигача, яъни Хермон тоғигача чўзилган эди. 49 Шунингдек,
Фисгах тоғ тизмасининг этагидаги Ўлик денгизгача чўзилиб, Иордан дарёсининг
шарқ томонидаги бутун Иордан водийсини* ҳам ўз ичига олган эди.

5–БОБ

Ўнта амр

1 Мусо жамики Исроил халқини бир жойга йиғиб, уларга айтган нутқини давом
эттирди.

Эй Исроил халқи, эшитинглар! Бугун мен сизларга айтаётган фармонлар ва
қонун–қоидаларга қулоқ солинглар. Буларни ёд олиб, битта қолдирмай
бажаринглар. 2 Эгамиз Худо биз билан Синай тоғида* аҳд қилди. 3 У нафақат
ота–боболаримиз билан, балки шу ерда турган ҳар бир одам билан аҳд қилди.
4 Эгамиз ўша тоғда олов ичидан сизлар билан юзма–юз гаплашди. 5 Мен ўшанда
Эгамиз билан сизларнинг орангизда туриб, Унинг гапини сизларга айтиб турдим.
Чунки сизлар оловдан қўрқиб, тоққа чиқмадингизлар. Эгамиз шундай деб айтди:

6 “Мен сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худоман.

7 Мендан бошқа худоларга сажда қилманг.

8 Ўзларингизга ҳеч қандай бутни ясаманг. Осмонда ё ерда ё ер остидаги
сувда мавжуд бўлган бирор нарсанинг шаклини ясаманг. 9 Ўша худолар ёки
бутларга* сажда қилманг, хизмат қилманг. Мен, Эгангиз Худо, сизларнинг
севгингизни бошқа худолар билан баҳам кўрмайдиган Худоман. Мендан
нафратланадиганларни жазолайман, уларнинг гуноҳлари оқибатидан
фарзандлари, набиралари ва чеваралари ҳам қочиб қутулмайди. 10 Лекин
Мени севиб, амрларимга риоя қиладиганларнинг минг–минг авлодларига*
содиқ севгимни кўрсатаман.

11 Мен, Эгангиз Худонинг исмини суиистеъмол қилманг*. Ким Менинг
исмимни суиистеъмол қилса, ўшани жазосиз қолдирмайман.

12 Мен, Эгангиз Худонинг амрига кўра, Шаббат кунини муқаддас деб
билинг, бу кунга риоя қилиб юринг. 13 Ҳамма ишларингизни бажаришингиз
учун олти кун бор. 14 Еттинчи кун эса Мен, Эгангиз Худога аталган Шаббат
кунидир. Ўша куни ҳеч қандай иш қилманглар. Ўғилларингиз,
қизларингиз, қулларингиз, чўриларингиз, молингиз, эшагингиз, бирорта

ҳайвонингиз, шаҳрингиздаги мусофирлар ҳам ҳеч қандай иш қилишмасин. Қулу чўриларингиз сиздай дам олсин. 15 Ёдингизда тутинг: сизлар Мисрда қул эдингиз, Мен, Эгангиз Худо, қудратим ва ажойиботларим билан сизларни у ердан олиб чиқдим. Шунинг учун, Шаббат кунига риоя қилинглар, деб амр этдим.

16 Мен, Эгангиз Худо, амр этганимдек, ота–онангизни ҳурмат қилинг. Ўшанда Мен сизларга бераётган юртда умрингиз узоқ бўлиб, бахтиёр яшайсиз.

17 Қотиллик қилманг.

18 Зино қилманг.

19 Ўғрилик қилманг.

20 Қўшнингизга қарши ёлғон гувоҳлик берманг.

21 Қўшнингизнинг хотинига кўз олайтирманг. Қўшнингизнинг уйи, даласи, қули ёки чўриси, моли ёхуд эшаги, унга қарашли бирор нарсасига кўз олайтирманг.”

22 Эгангиз бу амрларни ҳаммангизга ўша тоғда олов, булут ва қоронғилик ичидан баланд овоз билан айтди, бошқа бирон сўз қўшмади. Сўнгра У бу амрларни иккита тош лавҳага ёзиб, менга берди.

Халқ Худодан қўрқади

23 Тоғ олов бўлиб ёнаётганда, қоронғилик ичидан овоз эшитдингиз. Шунда қабилаларингиз бошлиқлари ва оқсоқоллари менинг олдимга келиб, 24 шундай дейишди: “Мана, Эгамиз Худо улуғворлигини, буюклигини бизга кўрсатди. Унинг овозини биз олов ичидан эшитдик. Бугун биз Худонинг инсон зотига гапирганини, аммо инсон тирик қолганини кўрдик. 25 Нима қиламиз энди жонимизни хавф остига қўйиб?! Мана бу буюк олов бизни ёндириб ташлайди–ку. Агар биз Эгамиз Худонинг овозини яна эшитсак, аниқ ўламиз. 26 Ахир, олов ичидан гапирадиган барҳаёт Худонинг овозини биз каби, эшитиб, тирик қолган инсон борми?! 27 Энди сен бор, Эгамиз Худонинг ҳамма сўзларини эшит. Кейин Унинг ҳар бир сўзини бизга айт. Биз қулоқ солиб, бажарамиз.”

28 Сизлар менга гапирганларингизда, Эгамиз сўзларингизни эшитиб, шундай деди: “Мен бу халқнинг сенга айтган сўзларини эшитдим, ҳамма айтганлари тўғри. 29 Қанийди, уларнинг юраклари ҳар доим шундай бўлса, Мендан қўрқиб, амрларимни бажаришса! Шунда ўзлари ҳам, фарзандлари ҳам то абад бахтли бўлишарди. 30 Энди уларнинг олдига бориб: «Чодирларингизга қайтинглар», деб айт. 31 Сен эса шу ерда Менинг ёнимда қоласан. Мен сенга амрлар, фармонлар ва қонун–қоидалар бераман. Сен буларни халққа ўргатасан. Мен уларга мулк қилиб берадиган юртда ҳаммасига риоя қилишсин.”

32 Энди ўнгга ҳам, чапга ҳам оғмай, Эгангиз Худо сизларга буюрган амрларга битта қолдирмай риоя қилинглар. 33 Эгангиз Худо амр этган йўлдан юринглар. Шунда яшайсизлар, бахтли бўласизлар, мулк қилиб оладиган юртда узоқ умр кўрасизлар.

6–БОБ

Энг буюк амр

1 Эгангиз Худо, халққа ўргатгин, деб менга берган амрлар, фармонлар ва
қонун–қоидалар шулардан иборатдир. Иорданни кечиб ўтиб, мулк қилиб
оладиган юртда буларга риоя қилинглар. 2 Мен сизларга берадиган фармон ва
амрларга ўзларингиз, фарзандларингиз ва набираларингиз, ҳаммангиз риоя
қилинглар. Бир умр Эгангиз Худодан қўрқинглар, шунда умрингиз узоқ бўлади.
3 Эй Исроил халқи, қулоқ солинг, буларни битта қолдирмай бажаринг. Шунда
ота–боболарингизнинг Худоси — Эгангиз берган ваъдага кўра, сут ва асал оқиб
ётган юртда* кўпаясизлар, бахтиёр бўласизлар.
4 Эй Исроил, қулоқ сол! Эгамиз Худо танҳо Эгадир*. 5 Эгангиз Худони бутун
қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун вужудингиз билан севинглар.
6 Бугун мен сизларга берган бу амрларни юрагингизда сақланглар. 7 Буларни
болаларингизга ҳам ўргатинглар. Уйда ўтирганда ҳам, йўлда юрганда ҳам,
ётганингизда ҳам, турганингизда ҳам шулар ҳақида гапиринглар. 8 Буларни
қўлингизга белги қилиб боғланглар, пешанангизга нишона қилиб тақиб
олинглар. 9 Эшигингиз кесакисига*, дарвозаларингизга ёзиб қўйинглар.

Итоатсизликка қарши огоҳлантириш

10 Эгангиз Худо ота–боболарингиз Иброҳим, Исҳоқ, Ёқубга қасам ичиб, ваъда
қилган ерга сизларни олиб киради. У сизларга ўзингиз қурмаган катта ва
чиройли шаҳарларни беради. 11 Ўзингиз тўлдирмаган, бойликларга тўла уйларни,
ўзингиз қазимаган сардобаларни, сиз экмаган токлар ва зайтунзорларни беради.
Ўшанда еб тўйганларингиздан кейин 12 эҳтиёт бўлинглар! Сизларни Мисрдаги
қулликдан олиб чиққан Эгамизни унутманглар. 13 Эгангиз Худодан қўрқинглар.
Фақат Унга хизмат қилинглар. Ёлғиз Унинг номи билан қасам ичинглар. 14 Бегона
худоларга, атрофингиздаги халқларнинг худоларига эргашманглар. 15 Ахир,
орангиздаги Эгангиз Худо сизнинг севгингизни бошқа худолар билан баҳам
кўрмайдиган Худодир. У ғазабланиб, сизларни ер юзидан йўқотиб юборади.
16 Массахда қилганингиздек*, Эгангиз Худони синаманглар. 17 Унинг
амрларини, фармон ва шартларини битта қолдирмай бажаринглар. 18 Эгамиз
тўғри ва яхши деб билган ишларни қилинглар. Шунда Эгамиз
ота–боболарингизга қасам ичиб, ваъда қилган ҳосилдор юртни сизлар мулк
қилиб оласизлар, бахтиёр бўласизлар. 19 Эгамиз, Ўзи айтганидек, юртингизда
яшаган барча душманларингизни ҳайдаб чиқаради.
20 Келажакда фарзандларингиз сизлардан: “Эгамиз Худо сизларга берган
қонун–қоидалар, фармон ва шартларнинг маъноси нима?” деб сўрайди. 21 Уларга
шундай деб жавоб беринглар: “Биз Мисрда фиръавннинг қуллари эдик. Эгамиз Ўз
қудрати билан бизни Мисрдан олиб чиқди. 22 У бизнинг кўзимиз олдида Мисрга,
фиръавн ва унинг бутун хонадонига буюк, қўрқинчли аломату мўъжизаларни
кўрсатди. 23 Ота–боболаримизга онт ичиб ваъда қилган юртга бизни олиб кириш
учун, ўша юртни бизга бериш учун бизни Мисрдан олиб чиқди. 24 Эгамиз Худо:
«Мана шу фармонларнинг ҳаммасига риоя қилинглар, Мендан қўрқинглар, шунда
бугунгидай тирик бўласиз, бахтли ҳаёт кечирасиз», деди. 25 Эгамиз Худонинг
олдида мана шу амрларни битта қолдирмай бажарсак, солиҳ бўламиз.”

7–БОБ

Худонинг халқи

1 Эгангиз Худо сизларни эгалик қиладиган юртингизга олиб киради. Ўшанда У
олдингиздан Хет, Гиргош, Амор, Канъон, Париз, Хив, Ёбус каби еттита халқни
ҳайдайди. Улар сизлардан кўра, кўпроқ ва қудратлироқдир. 2 Эгангиз Худо бу
халқларни сизларнинг қўлингизга топширганда, сизлар уларни мағлуб
этасизлар. Шунда уларнинг ҳаммасини тамомила қириб битиринглар. Улар билан
иттифоқ тузманглар, уларга раҳм–шафқат қилманглар. 3 Улар билан
қуда–андачилик қилманглар, уларга қиз узатманглар, ўғилларингизга уларнинг
қизларидан олиб берманглар. 4 Акс ҳолда, улар фарзандларингизни Эгамиздан
қайтаради. Фарзандларингиз бошқа худоларга хизмат қиладиган бўлади. Ўшанда
Эгамиз ғазабланиб, сизларни бир лаҳзада ҳалок қилади. 5 Аксинча, ўша халқларни
сизлар шундай қилинглар: уларнинг қурбонгоҳларини бузинглар, бутсимон
тошларини парчалаб ташланглар, Ашерага* аталган устунларни кесинглар,
бутларини ёндиринглар. 6 Сизлар Эгангиз Худонинг муқаддас халқисиз. У
сизларни ер юзидаги жамики халқлар орасидан Ўз халқи, Ўз хазинаси қилиб
танлаб олди.

7 Эгамиз сизларни бошқа халқлардан кўп бўлганингиз учун севиб танламади.
Сизлар бошқа ҳамма халқлардан оз эдингиз. 8 Эгамиз сизларни севгани учун ва
ота–боболарингизга берган ваъдасини адо этиш учун сизларни танлади. Шу боис
У сизларни Миср фиръавни ҳукмронлигидан, Мисрдаги қулликдан Ўз қудрати
билан олиб чиқиб, озод қилди. 9 Шундай қилиб, Эгангиз Худо ҳақиқий Худо
эканини билиб қўйинглар. У содиқ Худодир! Уни севадиган, Унинг амрларини
бажарадиганларнинг мингинчи авлодигача аҳдини содиқ сақлайди. 10 Худодан
нафратланганларнинг эса қилмишларига яраша бошларига кулфат ёғдиради. Ҳа,
Эгамиз Ундан нафратланганларга жавоб беришда кечикмайди. 11 Шунинг учун
бугун мен сизларга бераётган амрларни, фармонлар ва қонун–қоидаларни битта
қолдирмай бажаринглар.

Итоатгўйликдан келган барака

12 Агар мана шу қонун–қоидаларга итоат этиб, уларни битта қолдирмай
бажарсангиз, Эгангиз Худо ҳам ота–боболарингизга онт ичиб, ваъда қилган
аҳдини сизлар билан содиқ сақлайди. 13 У сизларга меҳр қўяди,
ота–боболарингизга бераман, деб онт ичган юртда сизларга барака бериб,
кўпайтиради. Ували–жували бўласизлар, ерингиз ҳосилдор, донингиз,
шаробингиз ва мойингиз сероб бўлади, мол–қўйингиз баракали бўлади,
сигирларингиз болалайди, қўйларингиз қўзилайди. 14 Сизлар барча халқлар
орасида баракага энг бой халқ бўласизлар, орангизда фарзандсиз эркак ҳам, аёл
ҳам бўлмайди, молларингиз орасида қисири бўлмайди. 15 Эгамиз сизларни ҳар
қандай касалликдан сақлайди. Мисрда ўзларингиз кўрган ҳар хил қўрқинчли
хасталиклар сизларнинг бошингизга келмайди. Ўша хасталикларни Эгамиз
сизларнинг ғанимларингизга юқтиради. 16 Эгангиз Худо сизларнинг қўлингизга
топширадиган барча халқларни қириб юборинглар, уларга раҳм қилманглар,
уларнинг худоларига сиғинманглар. Акс ҳолда, уларнинг худолари сизларга тузоқ
бўлади.

17 Хаёлингизда: “Бу халқлар биздан жуда кучли–ку, қандай қилиб уларни
ҳайдаймиз?” деб ўйлашингиз мумкин, 18 аммо улардан қўрқманглар. Эгангиз Худо
фиръавнни, бутун Мисрни нима қилганини эсингизда тутинглар. 19 Эгангиз Худо
Ўз қудрати ва ажойиботлари билан сизларни у ердан олиб чиқди, буюк синовлар,

аломату мўъжизалар кўрсатди. Буларни ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Сиз қўрқаётган ҳамма халқларни Эгангиз Худо худди ўша аҳволга солади. 20 Ҳатто сизлардан яшириниб тирик қолганларни У ваҳимага солиб, қувиб юборади*. 21 Улардан қўрқманглар. Орангиздаги Эгангиз Худо буюк ва ҳайбатли Худодир. 22 У ўша халқларни сизларнинг олдингиздан оз–оздан ҳайдайди. Сизлар уларни бирданига ҳалок қилолмайсизлар. Бўлмаса атрофингизда ёввойи ҳайвонлар кўпайиб кетади. 23 Эгангиз Худо ўша халқларни сизларнинг қўлингизга беради, уларнинг ҳаммасини қаттиқ саросимага солиб, ҳалок қилади. 24 Шоҳларини ҳам сизларнинг қўлингизга беради. Сизлар уларнинг номларини ер юзидан ўчирасизлар. Ҳеч ким сизларга бас келолмайди, уларнинг ҳаммасини ҳалок қиласизлар. 25 Худоларининг тасвирларини оловда ёндиринглар, уларни қоплаган олтину кумушларга кўз олайтирманглар, ўша нарсаларни олманглар, токи улар сизларга тузоқ бўлмасин. Бу бутлар Эгангиз Худога жирканчдир. 26 Бу жирканчли нарсаларни уйингизга олиб кирманг, акс ҳолда, ўшалар сингари йўқ қилинасиз. Ўша нарсалардан нафратланинглар, жирканинглар, чунки улар лаънатлангандир.

8–БОБ

Яхши юрт ҳақида

1 Бугун мен сизларга бераётган амрларни битта қолдирмай бажаринглар, шунда яшайсизлар, кўпаясизлар. Эгамиз ота–боболарингизга қасам ичиб, бераман, деб ваъда қилган юртга кирасизлар. Ўша юртни мулк қилиб оласизлар. 2 Эгангиз Худо қирқ йил давомида сизни саҳродан олиб юрди, ўша узоқ сафарни ёдингизда тутинглар. Эгамиз юрагингизда нима борлигини, Унинг амрларини бажаришингизни ёки бажармаслигингизни билиши учун сизларни қийинчиликларга дучор қилиб, синади. 3 У сизларни оч қолдирди, сўнг ўзларингиз кўрмаган, ота–боболарингиз ҳам кўрмаган манна* билан қорнингизни тўйдирди. У сизларга инсон фақат нон билан эмас, балки Эгамизнинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан ҳаёт эканини ўргатиш учун шундай қилди. 4 Мана шу қирқ йил давомида кийимларингиз эскириб кетмади, оёғингиз ҳам шишмади. 5 Энди шуни билингларки, инсон фарзандини қандай тарбияласа, Эгангиз Худо ҳам сизларни шундай тарбиялайди. 6 Эгангиз Худонинг амрларига риоя қилинглар. У кўрсатган йўлдан юринглар. Ундан қўрқинглар. 7 У сизларни ҳосилдор юртга олиб боради, у ерда ирмоқлар, булоқлар, водий ва қирларда ер остидан чиқадиган сувлар бор. 8 Буғдой, арпа, узум, анжир, анор, зайтун мойи ва асал ўша юртда мўлдир. 9 У ерда тўйиб нон ейсизлар, ҳеч нарсага муҳтож бўлмайсизлар. У ер шундай бир юртки, қоялардан темир, қирларидан мис чиқарасизлар. 10 Ўша ерда еб тўйганингизда, сизларга берган ҳосилдор юрт учун Эгангиз Худони олқишланглар.

Эгамизни унутмаслик ҳақида огоҳлантириш

11 Ҳушёр бўлинглар, мен бугун сизларга айтаётган Эгамизнинг амрларини, фармонлар ва қонун–қоидаларини бажармай қўйманглар. Эгангиз Худони эсингиздан чиқарманглар. 12 Еб, тўйганингизда, чиройли уйлар қуриб, жойлашганингизда, 13 мол, қўйларингиз, олтин–кумушингиз ва барча мулкингиз кўпайганда, 14 гердайиб кетманглар. Сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худони эсингиздан чиқарманглар. 15 У сизларни заҳарли илонлар, чаёнларга тўла ўша баҳайбат ва қўрқинчли саҳродан, сувсиз, тақир жойлардан олиб ўтди. У ерда сизлар учун қоядан сув чиқарди*. 16 Ота–боболарингиз

билмаган манна билан саҳрода қорнингизни тўйғизди. Оқибатда сизларга яхшилик келтириш учун сизларни қийинчиликларга дучор қилиб, синади.
17 Хаёлингизда: “Ўз куч–қудратим билан мана шу бойликни топдим”, деманглар.
18 Аммо Эгангиз Худони доимо ёдингизда тутинглар. Зеро, бойликни топишга куч берган Эгангиздир. Шундай қилиб, У ота–боболарингиз билан қасам ичиб, қилган аҳдини бугун бажармоқда. 19 Бугун мен сизларни жиддий огоҳлантиряпман. Агар Эгангиз Худони унутиб бошқа худоларга эргашсангизлар, уларга хизмат қилиб, сиғинсангизлар, сизлар албатта йўқ бўласизлар. 20 Эгангиз Худо бошқа халқларни олдингиздан йўқ қилгани каби, Унинг амрларига қулоқ солмаганингиз учун сизларни ҳам йўқ қилади.

9–БОБ

Халқнинг итоатсизлиги

1 Қулоқ сол, эй Исроил! Бугун Иордан дарёсининг нариги томонига* ўтасизлар. Ўзларингиздан кўпроқ ва кучлироқ бўлган халқларнинг ерларини мулк қилиб оласизлар. Уларнинг улкан шаҳарлари осмонўпар деворлар билан ўралган. 2 Ўша кучли, бўйи баланд халқ Оноқ авлодидандир*. Уларни ўзларингиз биласизлар, “Оноқ авлодига ким ҳам бас кела оларди?!” деган гапларни эшитгансизлар.
3 Бугун шуни билиб қўйингларки, Эгангиз Худо ямламай ютадиган оловдай сизларнинг олдингизда боради. Худо Оноқ авлодини мағлуб қилиб, сизларга итоат эттиради. Шунда Эгамиз берган ваъдага кўра, уларни бир лаҳзада қувиб, йўқ қиласизлар.
4 Эгангиз Худо уларни сизларнинг олдингиздан ҳайдаганда, ўзингизча: “Эгам солиҳлигим учун бу ерни менга берди”, деб айтманглар. Бу халқлар фосиқ бўлгани учун Эгамиз уларни сизларнинг олдингиздан ҳайдаяпти. 5 Сизлар солиҳлигингиз учун, юрагингиз тўғри бўлгани учун уларнинг ерига бориб эгалик қилмаяпсизлар. Йўқ! Бу халқларнинг фосиқлиги туфайли Эгангиз Худо уларни олдингиздан ҳайдаяпти. Шу йўл билан оталарингиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга Эгангиз онт ичиб берган ваъдасини бажаради. 6 Шуни билиб қўйингларки, Эгангиз Худо бу ҳосилдор юртни сизларга солиҳ бўлганингиз учун бермаяпти. Сизлар солиҳ эмас, ўжар халқсиз.
7 Эгангиз Худони саҳрода қанчалар ғазаблантирганингизни ёдингизда тутинглар, асло унутманглар. Мисрдан чиққан кундан бошлаб, мана шу ерга етиб келгунингизча Эгамизга қаршилик қилиб келдингизлар. 8 Синай тоғида* ҳам Эгамизнинг ғазабини келтирганингизда, У шундай ғазабландики, сизларни йўқ қилиб юборай деди. 9 Мен тош лавҳаларни, яъни Эгамиз сизлар билан қилган аҳд* лавҳаларини олгани тоққа чиқдим. Қирқ кечаю қирқ кундуз тоғда бўлдим, у ерда на нон едим, на сув ичдим. 10 Эгамиз менга Ўз қўли билан ёзган иккита тош лавҳани берди. Тоғда йиғилган кунингиз Эгамиз сизларга олов ичидан айтган амрларнинг ҳаммаси тош лавҳаларга ёзилган эди. 11 Қирқ кечаю қирқ кундуздан кейин Эгамиз менга аҳд сўзлари ёзилган иккита тош лавҳани берди.
12 Кейин Эгамиз менга: “Қани бўл, бу ердан тез пастга туш! Ўзинг Мисрдан бошлаб олиб чиққан халқ йўлдан озди. Мен сизларга амр қилган йўлдан дарров тойиб, ўзларига бут ясади”, — деди.
13 Эгамиз менга яна шундай деди: “Бу халқ ҳақиқатан ҳам ўжар эканлигини кўриб турибман. 14 Энди Мени тўхтатма. Ҳаммасини ҳалок қиламан, уларнинг номини ер юзидан ўчираман. Улардан ҳам кўпроқ, кучлироқ халқни сендан яратаман.”

15 Мен тоғдан қайтиб тушдим. Тоғ олов бўлиб ёнар, аҳднинг иккита тош
лавҳасини қўлларимга кўтариб олган эдим. 16 Қарасам, сизлар Эгангиз Худога
қарши гуноҳ қилибсизлар, ўзларингизга бузоқ шаклидаги бутни ясаб олибсизлар.
Бирпасда Эгамиз сизларга амр қилган йўлдан тойибсизлар. 17 Шунда
қўлларимдаги иккала тош лавҳани отиб юбордим. Уларни кўз олдингизда
синдирдим. 18 Эгамиз олдида юз тубан мук тушиб, олдингидай* қирқ кечаю қирқ
кундуз нон емай, сув ичмай илтижо қилдим, чунки сизлар гуноҳ қилган
эдингизлар. Эгамиз олдида қабиҳ иш қилиб, Уни ғазаблантирган эдингизлар.
19 Эгамиз ғазабланиб, сизларни йўқ қилмоқчи бўлди. Мен Унинг ғазабидан
қўрқдим. Лекин Эгамиз бу сафар ҳам менинг илтижоларимга қулоқ солди.
20 Эгамиз Ҳорундан ҳам ғазабланиб, уни ҳалок қилмоқчи бўлди, лекин мен ўшанда
Ҳорун учун ҳам Эгамизга ёлвордим. 21 Сизлар бутни ясаб гуноҳ қилдингиз,
шунинг учун мен бутни оловда ёндирдим. Тупроқдай майдалаб эзиб, кукунини
тоғдан оқиб тушаётган ирмоққа ташлаб юбордим. 22 Сизлар Таверада* ҳам,
Массах* ва Хиврут–Хаттавода* турганингизда ҳам Эгамизни ғазаблантирган
эдингиз. 23 Эгамиз сизларни Кадеш–Барнадан жўнатганда ҳам, сизларга:
“Боринглар, Мен сизларга берадиган ерни мулк қилиб олинглар”, деб амр
қилганда, сизлар Эгангиз Худонинг амрига қаршилик қилдингизлар*. Унга
ишонмадингизлар, қулоқ солмадингизлар. 24 Мен сизларни таниганимдан буён,
сизлар Эгамизга қарши бош кўтарасизлар.

25 Эгамиз сизларни ҳалок қилмоқчи бўлгани учун Мен Эгамиз олдида ўша қирқ
кечаю қирқ кундуз мук тушиб ибодат қилганимда 26 шундай деб ёлворган эдим:
“Эй Эгамиз Раббий! Халқингни ҳалок қилма. Ахир, улар Сенинг мулкинг–ку! Сен
уларни буюк кучинг билан қутқариб, қудратинг билан Мисрдан олиб чиққансан.
27 Қулларинг Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубни ёдингда тут, бу халқнинг ўжарлиги,
фосиқлиги ва гуноҳига эътибор берма. 28 Акс ҳолда, Мисрликлар шундай дейди:
«Анави халқнинг Эгаси ваъда қилган ерига уларни олиб киролмабди. У Ўзининг
халқини ёмон кўрар экан, шунинг учун уларни саҳрода нобуд қилиш мақсадида
Мисрдан олиб чиққан экан!» 29 Ахир, уларни буюк кучинг ва ажойиботларинг
билан Мисрдан Ўзинг олиб чиққансан, улар Сенинг халқингдир.”

10–БОБ

Янги тош лавҳалар

1 Шундан кейин Эгамиз менга деди: “Иккита тош лавҳани кесиб ол. Улар
олдингиларига ўхшаган бўлсин. Кейин тоққа Менинг олдимга чиқ. Яна ёғочдан
бир Сандиқ яса. 2 Мен ўша тош лавҳаларга сен синдирган лавҳалардаги амрларни
ёзаман. Сен лавҳаларни Сандиққа солиб қўясан.”

3 Шундай қилиб, мен акас ёғочидан* Сандиқ ясадим, олдингисига ўхшаган
иккита тош лавҳани кесиб олдим. Кейин иккала тошни кўтариб, тоққа чиқдим.
4 Эгамиз тош лавҳаларга олдингидай ўнта амрни ёзди. Сизлар тоғда
йиғилганингизда ўша амрлар Эгамиз олов ичидан сизга айтган сўзларнинг
ўзгинаси эди. Эгамиз ўша лавҳаларни менга берди. 5 Мен тоғдан қайтиб тушдим.
Эгамизнинг амрига кўра, лавҳаларни Сандиққа солдим. Лавҳалар ҳали ҳам ўша
Сандиқда турибди.

6 (Исроил халқи Яқон уруғига қарашли қудуқлардан* Мосарахга йўл олди.
Ҳорун ўша ерда вафот этиб*, дафн қилинди. Ўрнига ўғли Элазар руҳоний бўлди.
7 Исроил халқи у ердан Гудгодахга, Гудгодахдан оқар сувлар ўлкаси Ётботога
боришди. 8 Эгамиз: “Менинг Аҳд сандиғимни кўтариб юрсин, Менинг ҳузуримда

хизмат қилсин, Менинг исмим билан одамларни дуо қилсин", деб ўшанда Леви қабиласини танлаб олган эди. Улар бугунгача* ҳам шу хизматни адо этиб келмоқдалар. [9] Шунинг учун Леви қабиласига биродарлари орасидан улуш ҳам, мулк ҳам берилмаган. Зотан, Леви қабиласининг улуши Эгамизнинг Ўзидир. Бу гапни Эгангиз Худонинг Ўзи айтди.)

[10] Мен яна олдингидай тоғда қирқ кечаю қирқ кундуз қолдим. Эгамиз бу сафар ҳам менинг илтижоимни эшитиб, сизларни ҳалок қилмайдиган бўлди. [11] У менга шундай деди: "Қани, халқни бошла. Уларни Мен ота–боболарига қасам ичиб ваъда берган юртга олиб бор. Улар ўша юртга бориб, уни қўлга киритишсин."

Худонинг талаблари

[12] Эй Исроил халқи! Эгангиз Худо сизлардан битта нарсани талаб қилади: Эгангиз Худодан қўрқинг, Унинг йўлидан юринг, Эгангиз Худони севинг, бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан Унга хизмат қилинг. [13] Мен бугун сизларга бераётган Эгамизнинг амру фармонларига риоя қилинг, шунда бахтиёр бўласиз. [14] Осмон ва фалак тоқи, ер юзи ва ундаги ҳамма нарса Эгангиз Худоникидир. [15] Аммо Эгамиз фақатгина ота–боболарингизга қаттиқ муҳаббат қўйди. Мана бугун кўриб турганингиздай, уларнинг авлодини, сизларни барча халқлар орасидан танлаб олди. [16] Юракларингизни суннат қилинглар*, бундан кейин ўжар бўлманглар. [17] Эгангиз Худо худоларнинг Худосидир, эгаларнинг Эгасидир*, буюк қудратли, қўрқинчли Худодир. У тарафкашлик қилмайди, пора олмайди. [18] Етим ва беваларга адолат қилади, мусофирга меҳрибонлик қилади, уларга нон ва кийим беради. [19] Сизлар ҳам мусофирларга меҳрибон бўлинглар, ўзларингиз ҳам Мисрда мусофир эдингизлар. [20] Эгангиз Худодан қўрқинглар. Ёлғиз Унга сажда қилинглар, Унга содиқ бўлиб, Унинг номи билан қасам ичинглар. [21] Фақат Унга ҳамдлар айтинглар, чунки У сизларнинг Худойингиздир. Сизлар ўз кўзингиз билан Унинг буюк ва қўрқинчли аломатларини кўрдингиз. [22] Мисрга борган ота–боболарингиз етмиш киши* эди, холос. Энди эса Эгангиз Худо сизларни осмондаги юлдузлар каби сон–саноқсиз қилди.

11–БОБ

Эгамизнинг буюклиги

[1] Эгангиз Худони севинглар. Ҳар доим Унинг амрларига, қонун–қоидаларига ва фармонларига риоя қилинглар, талабларини бажаринглар. [2] Шуни унутмангларки, болаларингиз эмас, сизлар Эгангиз Худонинг тарбиясини олгансизлар. Фарзандларингиз Эгамизнинг буюклигини, қудрати ва ажойиботларини кўрмаган. [3] Эгамиз Миср фиръавнига ва унинг бутун юртига қилган мўъжизалару ишларини улар билмайди. [4] Орқангиздан қуваётган Миср лашкарини, от–араваларини Эгамиз Қизил денгизга* чўктириб, тамомила йўқ қилганини болаларингиз кўрмаган. [5] Шу ерга етиб келгунингизча саҳрода Эгамиз сизлар учун нималар қилганини улар билмайдилар. [6] Рубен қабиласидан Элиёбнинг ўғиллари Датан ва Абурамни Эгамиз нималар қилганини* билмайдилар. Бутун Исроил халқининг кўз ўнгида ер ёрилиб уларни, оилаларини, чодирларини, уларга қарашли барча жониворларни ютиб юборганини болаларингиз кўрмаган. [7] Эгамизнинг қилган барча буюк ишларини болаларингиз эмас, сизлар ўз кўзингиз билан кўрдингиз.

Ваъда қилинган юртнинг баракалари

[8] Шундай экан, Мен бугун сизларга бераётган амрларнинг ҳаммасига риоя

қилинглар. Шунда кучли бўласизлар. Иордан дарёсидан кечиб, мулк қилиб оладиган юртни қўлга киритасизлар. 9 Эгамиз ота–боболарингизга ва уларнинг авлодига қасам ичиб, ваъда берган сут ва асал оқиб ётган юртда* узоқ яшайсизлар. 10 Сизлар кириб мулк қилиб олаётган бу ер ўзларингиз чиққан Миср юртидай эмас. Мисрда сабзавот уруғини ўзларингиз экиб, ўзларингиз суғорар эдингизлар*. 11 Сизлар Иорданни кечиб ўтиб, мулк қилиб оладиган юртдаги қирлару водийларни эса осмон ёмғири суғоради. 12 Эгангиз Худонинг Ўзи уни парвариш қилади. Йил бошидан охиригача Эгангиз Худонинг кўзи доим ўша юртдадир.

13 Бугун мен сизларга бераётган амрларга қулоқ солинглар, Эгангиз Худони севинглар, Унга бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан хизмат қилинглар. 14 Шунда У ерингизга куз ва баҳор ёмғирини ўз вақтида ёғдиради. Донингизни, шаробингизни ва зайтун мойингизни йиғиб оласиз*. 15 Эгамиз далаларингизда чорвангиз учун ўт ўстиради, сизларнинг ризқингиз ҳам бут бўлади. 16 Аммо эҳтиёт бўлинглар! Яна васвасага тушиб, йўлдан озманглар. Бошқа худоларга хизмат қилиб, сиғинманглар. 17 Акс ҳолда, Эгамиз сизлардан ғазабланиб, осмонни ёпиб қўяди, ёмғир ёғмайди, ер ҳосил бермайди. Натижада Эгамиз сизларга мулк қилиб бераётган яхши юртдан тез қирилиб кетасизлар.

18 Менинг бу сўзларимни юрагингиз ва қалбингизда сақланглар. Буларни қўлингизга белги қилиб боғланглар, пешанангизга нишона қилиб тақиб олинглар. 19 Буларни болаларингизга ўргатинглар. Уйда ўтирганда ҳам, йўлда юрганда ҳам, ётганингизда, турганингизда ҳам шулар ҳақида гапиринглар. 20 Эшигингиз кесакисига, дарвозаларингизга ёзиб қўйинглар, 21 токи Эгамиз ота–боболарингизга қасам ичиб, мулк қилиб бераман, деб ваъда қилган юртда ўзларингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам узоқ умр кўринглар. Осмон ер устида қанча турса, ўша юртда шунча яшанглар.

22 Мен бугун сизларга айтаётган амрларни битта қолдирмай бажарсангиз, Эгангиз Худони севсангиз, Унинг йўлидан юрсангиз, Унга содиқ бўлсангиз, 23 Эгамиз бу юртдаги халқларнинг ҳаммасини сизларнинг олдингиздан ҳайдайди. Сизлар ўзингиздан кўпроқ ва қудратлироқ халқларнинг юртларини эгаллаб оласиз. 24 Оёғингиз теккан ҳар қандай ер сизники бўлади. Чегарангиз жанубдаги саҳродан то шимолдаги Лубнонгача, шарқдаги Фурот дарёсидан то ғарбдаги Ўрта ер денгизигача чўзилади. 25 Сизларга ҳеч ким бас кела олмайди. Эгангиз Худо сизларга ваъда бергандай, қадамингиз етиб борган ердаги ҳаммани сизлардан қўрқадиган, ваҳимага тушадиган қилиб қўяди.

26 Мана бугун мен сизларга баракани ёки лаънатни танланг, деяпман. 27 Мен бугун сизларга айтаётган Эгангиз Худонинг амрларини бажарсангиз, барака топасиз. 28 Борди–ю, Унинг амрларига қулоқ солмасангиз, бугун сизларга буюраётган йўлдан озсангиз, олдин билмаган худоларга эргашсангиз, лаънати бўласиз.

29 Эгангиз Худо ўзларингизга мулк қилиб бераётган ерга сизларни олиб кирганда, Гаризим тоғидан баракаларни айтинглар, Эбал тоғидан* лаънатларни айтинглар. 30 Бу иккала тоғ Иорданнинг кунботар томонида жойлашган. Улар Иордан водийсида* яшайдиган Канъонликлар юртида, Гилгал яқинида, Мўредаги эманзор ёнидадир. 31 Иордандан кечиб ўтиб, Эгангиз Худо сизларга мулк қилиб берадиган юртни оласизлар. У ерни қўлга киритиб жойлашиб олганингизда, 32 мен бугун сизларга айтаётган Унинг ҳамма фармонлари ва қонун–қоидаларини битта қолдирмай бажаринглар.

12–БОБ

Канъон юртида риоя қилинадиган қонун–қоидалар

1 Ота–боболарингизнинг Худоси — Эгангиз сизларга мулк қилиб бераётган
юртда бажаришингиз лозим бўлган фармонлар ва қонун–қоидалар
қуйидагилардан иборатдир. Буларни битта қолдирмай бажаринглар. 2 Сизлар
борадиган юртдаги халқлар бошқа худоларга сиғинади. Уларнинг юртини қўлга
киритганингиздан кейин тоғ чўққиларидаги, қирлардаги ва ҳар бир яшил дарахт
остидаги саждагоҳларини бузиб, йўқ қилинглар. 3 Қурбонгоҳларини бузинглар,
бутсимон тошларини парчалаб ташланглар, Ашерага* аталган устунларни
ёндиринглар, бутларини чопиб ташлаб, худоларининг номини у ердан йўқ
қилинглар.

Сажда қилиш учун ягона жой

4 Сизларнинг Эгангиз Худога сажда қилишингиз ўша халқларнинг саждасига
ўхшамасин. 5 Эгангиз Худо улуғланиши учун барча қабилаларингиз орасидан
Ўзига бир жой танлайди. Сизлар ўша жойда Унга сажда қилинглар. 6 У ерга
куйдириладиган ва бошқа қурбонликларни, ушрларингизни*, эҳсонларингизни,
берган ваъдангизга мувофиқ қилинадиган назрларингизни, кўнгилдан чиқариб
берадиган қурбонликларингизни, мол–қўйларингизнинг биринчи туғилган
болаларини* олиб боринглар. 7 У ерда, Эгангиз Худонинг ҳузурида оилаларингиз
билан еб, Эгангиз Худо ҳамма ишингизга берган баракадан севининглар.
8 У ерда биз ҳозир қилаётган ишларни қила кўрманглар. Бу ерда ҳамма
кўнглига маъқул келганини қиляпти. 9 Чунки Эгангиз Худо сизга мулк қилиб
берадиган ерга ҳали кирмадингиз, осойишта ҳаётга эришмадингиз. 10 Аммо кўп
ўтмай сизлар Иордан дарёсидан ўтасизлар, Эгангиз Худо мулк қилиб берадиган
юртда жойлашасизлар. У душманларингизни енгиб, сизларга ҳар тарафдан
осойишталик ато қилади, сизлар хавф–хатарсиз яшайсизлар. 11 Шунда Эгангиз
Худо Ўзи улуғланиши учун танлайдиган жойга мен амр қилган назру
қурбонликларингизни олиб боринглар. Куйдириладиган ва бошқа
қурбонликларингизни, ушрларингизни, эҳсонларингизни, берган ваъдангизга
мувофиқ қилинадиган аъло назрларингизни Эгамизга атаб, ўша ерга олиб
боринглар. 12 Эгангиз Худо ҳузурида ўзларингиз, ўғилларингиз, қизларингиз,
қулларингиз, чўриларингиз, шаҳрингиздаги Леви қабиласидан бўлганлар билан
хурсандчилик қилинглар. Чунки левиларнинг сизникига ўхшаган улуши ҳам,
мулки ҳам йўқдир. 13 Эҳтиёт бўлинглар, куйдириладиган қурбонлигингизни дуч
келган жойда қилаверманглар. 14 Уларни фақат Эгамиз қабилаларингиз орасидан
танлаган жойда қилинглар. Мен сизларга амр қилганнинг ҳаммасини ўша ерда
адо этинглар.
15 Борди–ю, гўшт емоқчи бўлсангиз, ҳайвонни истаган пайтингизда, Эгангиз
Худо берган баракага яраша, хоҳлаган шаҳрингизда сўйиб, ейишингиз мумкин.
Одам пок бўлса ҳам, ҳаром бўлса ҳам, кийик ва оҳу гўштини егандай, бу гўштдан
еяверсин. 16 Фақат қонни истеъмол қилманглар, уни сувдай ерга тўкиб
ташланглар. 17 Назру қурбонликларингизни шаҳарларингизда еманглар.
Донингиз, шаробингиз ва зайтун мойингизнинг ўндан бир қисмини, мол,
қўйингизнинг биринчи туғилган боласини, берган ваъдангизга мувофиқ
қилинадиган назрларингизни, кўнгилдан чиқариб берадиган
қурбонликларингизни, эҳсонларингизни 18 фақат Эгангиз Худо танлаган жойда
енглар. Буларни Унинг ҳузурида ўғлингиз, қизингиз, қулларингиз, чўриларингиз,
шаҳрингиздаги левилар билан бирга еб, Эгангиз Худо ишингизга берган

баракадан севининглар. 19 Юртингизда яшар экансиз, эҳтиёт бўлинглар,
левиларни унутиб қўйманглар.
20 Эгангиз Худо сизларга берган ваъдага кўра, ерларингизни кенгайтиради.
Шунда кўнглингиз гўштни тусаб: “Гўшт егим келяпти”, деб айтсангиз,
хоҳлаганингизча гўшт ейсиз. 21 Эгангиз Худо Ўзи улуғланиши учун танлайдиган
жой сизлар турган жойдан узоқда бўлса, мен буюрганимдай, У сизларга берган
мол ёки қўйлардан сўйиб, шаҳрингизда хоҳлаганингизча гўшт есангиз бўлади.
22 Пок ёки ҳаром одам бу гўштни оҳу ёки кийик гўштини егандай тановул
қилаверсин*. 23 Қонни эса асло истеъмол қилманглар, чунки қон жондир, жонни
гўшт билан бирга еманглар. 24 Қонни истеъмол қилмай, сув сингари, ерга тўкиб
ташланглар. 25 Сизлар ҳам, фарзандларингиз ҳам, қонни истеъмол қилманглар,
шунда бахтиёр бўласизлар. Эгамизнинг олдида маъқул иш қилган бўласизлар.
26 Эгамизга атаган эҳсонларингизни ва ваъда қилган назрларингизни У танлаган
жойга олиб боринглар. 27 Куйдириладиган қурбонликларингизни, уларнинг
қонини, гўштини Эгангиз Худонинг қурбонгоҳида келтиринглар. Бошқа
қурбонликларингизнинг қонини ҳам Эгангиз Худонинг қурбонгоҳи ёнига
тўкинглар, гўштини эса есангиз бўлади. 28 Мен бераётган бу амрларни битта
қолдирмай бажаринглар. Шунда ўзларингиз ҳам, сизлардан кейинги
фарзандларингиз ҳам то абад бахтли бўласизлар. Негаки, Эгангиз Худонинг
олдида тўғри, яхши ишларни қилган бўласизлар.

Бутпарастликка қарши огоҳлантириш

29 Сизлар юртга кириб, у ернинг халқларига ҳужум қилганингизда, Эгангиз
Худо уларни йўқ қилади. Сизлар уларнинг ерларига жойлашасизлар. 30 Шунда
эҳтиёт бўлинглар, уларнинг удумларини қилиб, тузоққа тушиб қолманглар. “Бу
халқлар худоларига қандай хизмат қилган экан–а?! Мен ҳам улардай қиламан”,
деб уларнинг худолари ҳақида суриштирманглар. 31 Уларга хос усул билан
Эгангиз Худога сиғинманглар. Ахир, улар ўз худоларига сиғинганларида жирканч
ишлар қиладилар, Эгамиз эса бундай ишлардан нафратланади. Улар ҳатто
ўғил–қизларини худоларига қурбонлик қилиб, оловда ёндирадилар.
32 Мен сизларга берган амрларни битта қолдирмай бажаринглар. Бу амрларга
ҳеч нарса қўшманглар ҳам, олиб ташламанглар ҳам.

13–БОБ

1 Агар орангизда бирор пайғамбар ёки туш таъбирловчи пайдо бўлиб: “Аломат
ёки мўъжиза кўрсатаман”, деб айтса, 2 унинг айтганлари бажо бўлса, кейин у: “Юр,
сен билмаган бошқа худоларга эргашайлик, уларга хизмат қилайлик”, деса, 3 ўша
пайғамбар ёки туш таъбирловчининг сўзларига қулоқ солманглар. Эгангиз Худо:
“Қани билай–чи, улар бутун қалби билан, жону дили билан Мени севадими ёки
йўқми”, деб сизларни синаётган бўлади. 4 Сизлар фақатгина Эгангиз Худога
эргашинглар. Ундан қўрқинглар, Унинг амрларига итоат этинглар. Эгангизга
қулоқ солинглар, Унга хизмат қилинглар, Унга содиқ бўлинглар. 5 Эгангиз Худо
сизни Миср юртидан олиб чиққан, Мисрдаги қулликдан озод қилган. Ўша
пайғамбар ёки туш таъбирловчи эса сизни Худойингиздан юз ўгиртиришга
ҳаракат қилди. Эгангиз Худо амр қилган йўлдан сизни оздирмоқчи бўлди.
Шунинг учун уни ўлдиринглар. Орангиздан ёмонликни йўқ қилинглар.
6 Ҳатто ака–укангиз ёки ўғлингиз, қизингиз, севикли хотинингиз ё жонажон
дўстингиз сизни яширинча ўзингиз билмаган, ота–боболарингиз ҳам билмаган
бегона худоларга сажда қилишга ундаши мумкин. 7 Атрофингизда яшаётган

узоқ–яқиндаги, ернинг бу четидан нариги четигача ўрнашган халқларнинг
худоларига сиғинишга ундаши мумкин. 8 Аммо сизлар рози бўлманглар. Бундай
одамга қулоқ солманглар, унга раҳм–шафқат қилманглар, унинг ёнини
олманглар. 9 Уни ўлдиринглар. Биринчи бўлиб сен, кейин бутун халқ унга тош
отинглар. 10 Уни тошбўрон қилиб ўлдиринглар. Чунки у сизларни Мисрдаги
қулликдан олиб чиққан Эгангиз Худодан юз ўгиришга ундади. 11 Бу воқеани
Исроил халқи эшитиб қўрқади, бундан кейин орангизда бундай қабиҳлик
қилинмайди.
12 Эгангиз Худо сизларга яшаш учун бераётган шаҳарларнинг бирортасида
13 манфур одамлар чиқиб, улар шаҳар аҳлини: “Юринглар, ўзларингиз билмаган
бошқа худоларга хизмат қилайлик”, деб йўлдан урганини эшитсангиз,
14 сўраб–суриштиринглар, яхшилаб текширинглар. Бу жирканч воқеа ҳақиқатан
юз берган бўлиб, эшитганларингиз рост бўлиб чиқса, 15 ўша шаҳарнинг бутун
аҳолисини, ҳайвонларигача қиличдан ўтказинглар. Шаҳарни ва ундаги ҳамма
нарсани бутунлай вайрон қилинглар. 16 Ўлжаларни майдон ўртасига йиғинглар.
Шаҳарни ва у ердаги ҳамма ўлжани Эгангиз Худога бағишлаб, ёндириб
ташланглар. У жой абадий вайронага айлансин, ҳеч қачон қайта тикланмасин.
17 Ёндириладиган нарсалардан ҳеч бирини ўзингизга олманглар. Шунда Эгамиз
ғазабидан тушади, сизларга меҳр–шафқат кўрсатади, раҳм қилади,
ота–боболарингизга қасам ичиб ваъда берганидай сизларни кўпайтиради.
18 Шунинг учун сизлар Эгангиз Худога қулоқ солишингиз керак. Мен бугун
сизларга бераётган Унинг амрларига итоат этиб, Унинг олдида тўғри ишлар
қилишингиз керак.

14–БОБ

Азадорларга ман этилган одатлар

1 Сизлар Эгангиз Худонинг фарзандларисиз. Марҳумга аза тутганингизда
баданингизни тилманг, сочингизнинг олдини қирманг*. 2 Сизлар Эгангиз
Худонинг муқаддас халқисиз. Эгамиз ер юзидаги барча халқлар орасидан
сизларни Ўз халқи, Ўз хазинаси қилиб танлаб олди.

Ҳалол ва ҳаром ҳайвонлар

3 Жирканч ҳайвонларнинг гўштини еманг. 4 Мана бу ҳайвонларни* есангиз
бўлади: мол, қўй, эчки, 5 оҳу, кийик, буғу, ёввойи эчки, зубр, жайрон, архар. 6 Айри
туёқ ва кавш қайтарадиган ҳар қандай ҳайвонни тановул қилишингиз мумкин.
7 Лекин кавш қайтарадиган ёки айри туёқ ҳайвонлардан туя, қуён ва суғурни
еманглар, улар кавш қайтарса ҳам, туёғи айрилмаган. Бу ҳайвонлар сизлар учун
ҳаромдир. 8 Чўчқани ҳам еманглар, унинг туёғи айрилган, лекин кавш
қайтармайди. У сизлар учун ҳаромдир. Бу ҳайвонларнинг гўштини еманглар,
мурдасига ҳам тегманглар.
9 Сувда яшайдиган сузгичи ва тангачалари бор ҳар қандай жониворни есангиз
бўлади. 10 Сузгичи ва тангаси бўлмаганларини еманг, улар сизга ҳаромдир.
11 Ҳалол қушлардан хоҳлаганингизнинг гўштини есангиз бўлади. 12 Қуйидаги
қушларнинг гўштини ейиш мумкин эмас: қумой, болтаютар, тасқара, 13 қирғий,
қизил калхат ва унинг зоти, 14 қарға зоти, 15 туяқуш, лочин, қулоқли укки,
қарчиғай ва унинг зоти, 16 япалоқ қуш, бойўғли, оқ бойўғли, 17 бирқозон, жўрчи,
балиқчи укки, 18 лайлак, оқ қарқара ва унинг зоти, сассиқпопишак, кўршапалак.
19 Қанотли ҳашаротлар сизларга ҳаромдир, уларни еманглар. 20 Аммо баъзи
турдаги қанотли ҳашаротларни ейишингиз мумкин*.

21 Ўлимтикни еманг, уни шаҳрингизда яшаган мусофирга беринг, у еяверсин,
ёки ўлимтикни бегонага сотинг, сизлар Эгангиз Худонинг муқаддас халқисиз.
Улоқчани ўз онасининг сутида қайнатманг*.

Ушр бериш ҳақида қонун

22 Ҳар йили далангизда ўсадиган ҳамма нарсадан, экинингизнинг ҳосилидан
ўндан бирини ажратинглар. 23 Бу ушрларингизни* Эгангиз Худо Ўзи улуғланиши
учун танлайдиган жойга олиб боринглар. Донингиз, шаробингиз ва зайтун
мойингизнинг ушрларини, мол ва қўйларингизнинг биринчи туғилган
болаларини Унинг ҳузурида енглар. Шундай қилиб, Эгангиз Худодан ҳар доим
қўрқишни ўрганасизлар. 24 Агар Эгангиз Худо танлайдиган бу жой сиздан узоқ
бўлса, шу сабабдан Эгангиз берган бараканинг ушрини у ерга олиб бора
олмасангиз, 25 ўша нарсаларингизни кумушга алмаштиринг. Кумушни олиб,
Эгангиз Худо танлайдиган жойга боринг. 26 Мана шу кумушга кўнглингиз тусаган
нарсани: мол, қўй, шароб, ўткир ичимлик ва кўнглингиз хоҳлаган ҳамма нарсани
сотиб олиб, у ерда Эгангиз Худо ҳузурида еб, оилаларингиз билан хурсандчилик
қилинглар.
27 Шаҳрингизда яшаган левиларни унутиб қўйманглар, уларнинг сизникига
ўхшаган улуши ҳам, мулки ҳам йўқдир. 28 Ҳар учинчи йил охирида ўша йили олган
ҳосилингизнинг ўндан бир қисмини тўлиқ олиб, шаҳрингиздаги омборларда
сақлаб қўйинглар. 29 Улуши ҳам, мулки ҳам бўлмаган шаҳрингиздаги левилар,
шунингдек, мусофир, етим ва бевалар келиб, еб тўяди. Шунда қилган ҳар бир
ишингизга Эгангиз Худо барака беради.

15–БОБ

Еттинчи йил

1 Ҳар еттинчи йилнинг охирида қарзларингиздан кечинглар. 2 Қарздан кечиш
шундан иборатки, яқинига қарз берган одам қарзидан кечсин. Исроил халқидан
бўлган биродаридан ўша қарзини сўрамасин, чунки Эгамиз қарздан кечишни
эълон қилди. 3 Бегонадан қарзингизни сўрасангиз бўлади. Исроил халқидан
бўлган биродарингиздан эса қарзингизни сўраманг.
4 Сизларнинг орангизда камбағал бўлмайди. Эгангиз Худо мулк қилиб
бераётган юртда сизларга барака беради. 5 Фақат Эгангиз Худога итоат этиб, Мен
бугун сизларга бераётган мана шу амрларни битта қолдирмай бажаришингиз
керак. 6 Эгангиз Худо Ўзи ваъда қилгандай, сизларга барака берганда, кўп
халқларга қарз берасиз, ўзингиз эса улардан қарз олмайсиз. Кўп халқлар устидан
ҳукмронлик қиласиз, улар эса сизларнинг устингиздан ҳукмронлик қилмайди.
7 Эгангиз Худо сизга берадиган юртдаги шаҳарларингизнинг бирида Исроил
халқидан бирортаси камбағал бўлса, унга нисбатан бағритошлик қилманг, зиқна
бўлманг. 8 Очиқ қўл бўлинг, унга керакли нарсани етарлича қарзга беринг.
9 Эҳтиёт бўлинг, кўнглингизда ёмон ният қилманг, еттинчи йил, қарздан кечиш
йили келяпти, деб камбағал биродарингизга нафрат билан қараманг, унга йўқ
деманг. Акс ҳолда, биродарингиз Эгамизга сиздан нолийди, натижада сиз гуноҳ
орттириб оласиз. 10 Унга сахийлик билан қарз беринг, бунинг учун ачинманг.
Шунда Эгангиз Худо ҳар бир ишингизга барака беради. 11 Ер юзида ҳар доим
камбағаллар бўлади. Шунинг учун сизларга амрим шуки, юртингиздаги камбағал,
муҳтож биродарингизга очиқ қўл бўлинг.

Қулларга бўлган муносабат

12 Биродарингиздан иброний эркак ёки аёл сизга ўзини сотса*, олти йил
хизмат қилсин, еттинчи йили уни озод қилишингиз керак. 13 Уни озод
қилганингизда, қуруқ жўнатманг. 14 Унга сахийлик билан мол–қўйингиздан, дон,
шаробингиздан беринг, Эгангиз Худо сизларга ато этган баракадан беринг.
15 Ёдингизда тутинг: сизлар ҳам Миср юртида қул бўлгансиз, Эгангиз Худо
сизларни озод қилган. Шунинг учун мен бугун сизларга ўша амрни бердим.
16 Агар қулингиз, сизни, оилангизни яхши кўраман, сизнинг хонадонингизда
ўзимга тўқман, сизникидан кетмайман, деб айтса, 17 уни уйингиз эшиги ёнига
олиб боринг. Қулоғини эшикка қўйиб, бигиз билан тешинг. Шунда у бир умр
сизнинг қулингиз бўлади, чўрингизни ҳам шундай қилинг.
18 Қулингизни озод қилаётганингизда афсусланманг, чунки у олти йил ичида
мардикорнинг ҳақига арзийдиган меҳнатни қилди. Уни озод қилсангиз, Эгангиз
Худо қилган ҳар бир ишингизга барака беради.

Ҳайвонларнинг биринчи туғилган болалари

19 Мол–қўйларингизнинг биринчи туғилган эркагини Эгангиз Худога
бағишланг. Биринчи туғилган буқангизни ишлатманг, биринчи туғилган
қўйингизнинг юнгини олманг. 20 Буларнинг гўштини Эгамиз танлайдиган жойда,
ўзингиз оилаларингиз билан бирга ҳар йили Унинг ҳузурида енглар. 21 Агар ўша
ҳайвон чўлоқ ёки кўр бўлса ё унинг бошқа бир нуқсони бўлса, уни Эгангиз Худога
қурбонлик қилманг. 22 Уни шаҳарларингизда еяверинглар. Пок одам ҳам, ҳаром
одам ҳам, оҳу ва кийикни егандай, унинг гўштини еса бўлади. 23 Фақат қонини
истеъмол қилманг. Қонни сув сингари, ерга тўкиб ташланг.

16–БОБ

Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрами

1 Абиб ойида* Эгангиз Худонинг Фисиҳ зиёфатини нишонланглар. Эгангиз
Худо сизларни Мисрдан Абиб ойида тунда олиб чиққан. 2 Эгамиз Ўзи улуғланиши
учун танлайдиган жойга боринглар, мол ва қўйларингиздан Эгангиз Худога
Фисиҳ қурбонлигини келтиринглар. 3 Қурбонлик гўштига хамиртурушли нон
қўшиб еманглар. Сизлар Мисрдан шошилинч чиқиб кетганингизда
хамиртурушсиз нон еган эдингизлар, шунинг учун етти кун давомида
хамиртурушсиз нон енглар*. Бу нонни машаққатли кунларда ейиладиган нон деб
аташади. Ўша нонни енглар, шунда Мисрдан чиққан кунингизни бир умр
ёдингизда тутасизлар. 4 Етти кун давомида юртингизнинг бирор жойида
хамиртуруш бўлмасин. Байрамнинг биринчи куни кечқурун келтирган
қурбонлигингиз гўштидан эрталабгача ҳеч нима қолмасин.
5 Эгангиз Худо сизларга бераётган шаҳарларнинг биронтасида Фисиҳ
қурбонлигини келтириш мумкин эмас. 6 Фисиҳ қурбонлигини фақатгина Эгангиз
Ўзи улуғланиши учун танлайдиган жойда келтиринглар. Буни қуёш ботадиган
пайтда, сизлар Мисрдан чиққан соатларда қилинглар. 7 Эгангиз Худо танлайдиган
жойда қурбонлигингизни пишириб еб, эрталаб чодирларингизга қайтиб
кетаверинглар. 8 Кейинги олти кун давомида хамиртурушсиз нон енглар. Еттинчи
кун Эгангиз Худога бағишланган муқаддас йиғин бўлади. Шу куни ҳеч қандай иш
қилманглар.

Ҳосил байрами

9 Ҳосилга* ўроқ солинган кундан бошлаб етти ҳафтани сананглар. 10 Кейин

Эгангиз Худо берган баракага яраша кўнгилдан чиқариб назр қилинглар. Эгангиз Худо учун Ҳосил байрамини* нишонланглар. 11 Ўзларингиз, ўғилларингиз, қизларингиз, қулларингиз, чўриларингиз, шаҳрингиздаги левилар, орангиздаги мусофирлар, етим ва бевалар билан бирга Эгангиз Худо олдида хурсандчилик қилинглар. Буларни Эгангизнинг Ўзи улуғланиши учун танлайдиган жойда ўтказинглар. 12 Мисрда қул бўлганингизни эсингиздан чиқармасдан, мана шу қонун–қоидаларни битта қолдирмай бажаринглар.

Чайла байрами

13 Донингизни янчиб, шаробингизни тайёрлаб олганингиздан кейин* етти кун давомида Чайла байрамини нишонланглар. 14 Байрамда ўғилларингиз, қизларингиз, қул ва чўриларингиз, шаҳрингизда истиқомат қилаётган левилар, мусофирлар, етим ва бевалар билан бирга хурсандчилик қилинглар. 15 Эгангиз Худо танлаган жойда етти кун давомида Унга атаб байрам қилинглар. Эгангиз Худо ҳосилингизга ва қилган ҳар бир ишингизга барака беради. Шу тариқа, албатта хурсандчилик қилинглар.

16 Хамиртурушсиз нон байрамини, Ҳосил байрамини ва Чайла байрамини нишонлаш учун барча эркакларингиз йилда уч марта Эгангиз Худо танлаган жойга, Унинг ҳузурига келсин. Ҳеч ким Эгамизнинг олдига қуруқ келмасин. 17 Ҳар бирингиз Эгангиз Худо берган баракага яраша инъом келтиринглар.

Одил ҳукм

18 Эгангиз Худо сизларга берадиган ҳар бир шаҳарга ҳакамлар ва назоратчилар тайинланглар. Улар халқни адолат билан ҳукм қилсин. 19 Ҳукм қилаётганда адолатсизлик қилмасин, тарафкашлик қилмасин, пора олмасин. Пора доноларнинг кўзини кўр қилади, ҳақларни ноҳаққа чиқаради. 20 Адолатга, фақат адолатга эргашинг. Шунда яшайсизлар, Эгангиз Худо берадиган юртга эгалик қиласизлар.

21 Эгангиз Худо учун қурадиган қурбонгоҳ ёнига Ашерага* аталган устунларни ёки 22 бутсимон тошларни ўрнатманглар. Эгангиз Худо булардан нафратланади.

17–БОБ

1 Нуқсони ёки камчилиги бор мол–қўйларни Эгангиз Худога қурбонлик қилманглар. Бу Эгангиз Худога жирканчдир.

2 Эгангиз Худо сизга бераётган шаҳарларнинг бирида орангиздан бирорта эркак ёки аёл Эгангиз олдида қабиҳлик қилиб, Унинг аҳдини бузса, 3 бегона худоларга хизмат қилса, ўша худоларга ёки қуёшга, ойга ва самовий жисмларга топинса, тақиқланган бу ишларни қилса, 4 бу воқеадан сизлар хабардор бўлсангиз, эшитганларингизни яхшилаб текширинглар. Исроил халқи орасида ҳақиқатан ҳам бундай жирканч иш қилинган бўлса, 5 ўша гуноҳкор эркак ёки аёлни шаҳар дарвозасидан ташқарига олиб чиқиб, тошбўрон қилиб ўлдиринглар. 6 Одам фақат иккита ёки учта гувоҳнинг сўзи билан ўлимга ҳукм қилиниши мумкин, битта гувоҳнинг сўзи билан ўлдирилмасин. 7 Гуноҳкорга биринчи бўлиб гувоҳлар тош отсин, кейин бутун халқ уни тошбўрон қилсин. Шундай қилиб, орангиздан ёмонликни йўқ қилинглар.

8 Агар шаҳрингизда қон тўкиш, ҳақ–ҳуқуқ талашиш ва зўравонлик каби можароларни ҳукм қилиш қийин бўлса, Эгангиз Худо танлайдиган жойга боринглар. 9 Леви руҳонийларининг ва ўша вақтда хизматда бўлган ҳакамнинг олдига бориб, улардан сўранглар. Улар ҳукм чиқаради. 10 Улар чиқарган ҳукм бўйича иш тутинглар, ўргатганларини битта қолдирмай бажаринглар.

11 Тушунтирган қонунни ва қонунга асосан чиқарган ҳукмни тўлиқ бажаринглар.
Уларнинг айтганларидан чапга ҳам, ўнгга ҳам оғманглар. 12 Эгангиз Худонинг
хизматида турган руҳоний ва ҳакамнинг гапига қулоқ солмай, ўзбошимча иш
тутган одам ўлиши керак. Шундай қилсангиз, Исроил халқи орасидан ёмонликни
йўқ қилган бўласизлар. 13 Бутун халқ бу воқеани эшитиб қўрқади, бундан кейин
ўзбошимча иш қилмайдиган бўлади.

Шоҳ ҳақида кўрсатмалар

14 Эгангиз Худо сизларга берадиган юртга бориб, у ерга жойлашиб, эгалик
қиласизлар. Шундан кейин, “Атрофимиздаги халқларга ўхшаб биз ҳам
устимиздан шоҳ қўяйлик”, дейсиз. 15 Кўтарадиган шоҳингиз албатта Эгангиз Худо
томонидан танланган бўлсин. Шоҳ ўз халқингиздан бўлсин. Бегона бўлган
мусофирни устингиздан шоҳ қилишингиз мумкин эмас. 16 Шоҳ ўзи учун от
кўпайтирмасин, от сотиб олиш учун одамларни Мисрга жўнатмасин. Чунки
Эгамиз сизларга: “У ерга қайтиб бормanглар”, деган. 17 Тайинланган шоҳ
хотинларни кўпайтирмасин, акс ҳолда, Эгамиздан юраги совийди*. Ўзи учун кўп
миқдорда олтин ва кумушни йиғмасин. 18 У шоҳлик тахтига ўтирганда, леви
руҳонийлари сақлаган қонунлардан ўзи учун бир нусха кўчиртириб олсин.
19 Қонунларнинг ўша нусхаси доимо шоҳнинг ёнида бўлсин. Шоҳ уни ҳар куни,
умри давомида ўқисин, токи ўзининг Эгаси Худодан қўрқишни ўргансин, қонун ва
фармонларнинг сўзларини битта қолдирмай бажарсин. 20 Ўзини биродарларидан
устун қўймасин, амрлардан чапга ҳам, ўнгга ҳам оғмасин. Шунда ўзи ҳам,
ўғиллари ҳам Исроил устидан узоқ йиллар ҳукмронлик қиладилар.

18–БОБ

Руҳонийларнинг улуши

1 Леви руҳонийлари, бутун Леви қабиласи қаторида, Исроилда улуш ҳам, мулк
ҳам олмайдилар. Улар Эгамизга келтирилган назр ва қурбонликлардан ейдилар.
2 Биродарлари орасида уларнинг улуши бўлмайди. Эгамиз Леви қабиласига: “Мен
Ўзим сизларнинг улушингиз бўламан”*, деб ваъда берган эди.
3 Қурбонлик қилинган мол ёки қўйнинг елка, жағ ва ичак–човоқлари
руҳонийларга берилсин. 4 Ғаллангизнинг илк ҳосилини, энг биринчи тайёрлаган
шаробингизни ва зайтун мойингизни, қўйларингизнинг биринчи қирқилган
юнгини руҳонийларга беринглар. 5 Чунки Эгангиз Худо, Леви қабиласи ва
уларнинг авлодлари ҳар доим Менга хизмат қилишсин, деб уларни
қабилаларингиз орасидан танлаб олди.
6 Агар бирор леви Исроилдаги ўзи яшаб турган шаҳардан Эгамиз танлаган
жойга ўз хоҳиши билан борса, 7 у ерда Эгамизга хизмат қилган леви биродарлари
сингари, Эгаси Худо номидан хизмат қила олади. 8 Оиласининг мулкини сотишдан
келган даромади бўлса ҳам, бошқа левилар қатори бир хил улуш есин.

Бутпараст халқларнинг қабиҳ одатлари ҳақида огоҳлантириш

9 Эгангиз Худо берадиган юртга кирганингизда, у ер халқларининг жирканч
одатларини ўрганманглар. 10 Ўғли ёки қизини оловда қурбон қиладиган*, фолбин,
башоратгўй, ромчи, сеҳргар, 11 иссиқ–совуқ қиладиган, арвоҳ чақирувчи,
ўликлардан маслаҳат сўрайдиганлар орангизда бўлмасин. 12 Эгамиз
бундайлардан жирканади. Мана шу жирканч одатлари учун Эгангиз Худо ўша
халқларни сизнинг олдингиздан ҳайдаб чиқаряпти. 13 Эгангиз Худога бутунлай
содиқ қолинг.

Пайғамбар юбориш ҳақида ваъда

14 Сизлар юртини олаётган ўша халқлар башоратгўйлар ва фолбинларнинг
гапига қулоқ соладилар. Сизларнинг бундай қилишингизга эса Эгангиз Худо
рухсат бермайди. 15 Эгангиз Худо сизлар учун ўз халқингиз орасидан менга
ўхшаган бир пайғамбар чиқаради. Унга қулоқ солинглар. 16 Сиз Синай тоғида*
йиғилган кунингизда Эгангиз Худодан ўзингиз уни тилаб олгандингиз, зотан, сиз
шундай деган эдингиз: “Эгамиз Худонинг овозини энди эшитмайлик, мана шу
буюк оловни ҳам бошқа кўрмайлик, акс ҳолда, ўламиз.” 17 Ўшанда Эгамиз менга
шундай деди: “Уларнинг айтганлари тўғри. 18 Улар учун ўз халқи орасидан сенга
ўхшаган бир пайғамбар чиқараман, Мен унга нима айтишни ўргатаман. Ўша
пайғамбар берган амрларимнинг ҳаммасини уларга айтади. 19 У Менинг
номимдан гапиради, унга қулоқ солмаган одамни Мен Ўзим жазолайман. 20 Аммо
бирор пайғамбар Мен буюрмаган сўзни Менинг номимдан гапиришга журъат
қилса ёки бошқа худолар номидан гапирса, у пайғамбар ўлиши керак.”
21 Кўнглингизда: “Бу сўзлар Эгамизданми ёки йўқми, биз қандай қилиб
биламиз?” деб ўйлашингиз мумкин. 22 Агар бирор пайғамбар Эгамизнинг номидан
гапирса–ю, ўша воқеа юз бермаса, демак, бу сўзни Эгамиз айтмаган бўлади.
Пайғамбар ўзича гапирган, ундан қўрқманглар.

19–БОБ

Паноҳ шаҳарлар

1 Эгангиз Худо сизларга берадиган юртнинг халқларини йўқ қилганда, сизлар
ўша юртни мулк қиласизлар, шаҳарларига, уйларига жойлашасизлар. 2-3 Ўшанда
юртни* уч қисмга бўлинглар. Ҳар бир қисмида биттадан паноҳ шаҳар
ажратинглар. Ўша шаҳарларга борадиган йўллар қуринглар, токи бировни
ўлдириб қўйган одам ўша шаҳарларнинг бирига қочиб бора олсин. 4 Агар у
бировни адоват қилмай, бехосдан ўлдириб қўйган бўлса, ўша шаҳарларнинг
бирига қочиб, тирик қолади. 5 Масалан, бир одам бошқаси билан дарахт кесгани
ўрмонга борди, дейлик. У дарахт кесмоқчи бўлиб болтани кўтарганда, болта
сопидан чиқиб кетиб, шеригига бориб тегса–ю, шериги ўлиб қолса, қотил ўша
шаҳарларнинг бирига қочиб бориб тирик қолади. 6 Акс ҳолда, қасоскор қотилнинг
орқасидан қувиши мумкин, йўл узоқ бўлганидан унга етиб олиб, ўлдириши
мумкин. Лекин у ўлимга лойиқ эмас, чунки марҳумга олдиндан унинг адовати йўқ
эди. 7 Учта шаҳар ажратинглар, деб сизларга буюрганимнинг сабаби шудир.
8-9 Эгангиз Худони севинг, ҳар доим Унинг йўлидан юринг, деб сизларга бугун
амр қилдим. Агар сизлар бу амрларни битта қолдирмай бажарсангиз, Эгангиз
Худо ота–боболарингизга қасам ичиб, берган ваъдасига кўра, ерларингизни
кенгайтиради, ваъда қилган бутун юртни сизга беради. Шунда сизлар ажратган
учта шаҳрингизга яна учта паноҳ шаҳар қўшинглар, 10 токи Эгангиз Худо сизларга
мулк қилиб бераётган юртда айбсизнинг қони тўкилмасин. Сизлар қон учун
жавобгар бўлиб қолманглар.
11 Лекин бирорта одам бошқасини адоват билан пойлаб туриб, ҳужум қилиб
ўлдирса, сўнг ўша шаҳарларнинг бирортасига қочиб борса, 12 қотилнинг она
шаҳридаги оқсоқоллар қотил орқасидан одам юбориб, уни олдириб келсин.
Қотилни қасоскорнинг қўлига топширсин. Қотил ўлдирилиши керак. 13 Унга раҳм
қилманглар, Исроилни айбсизнинг қонидан тозаланглар. Шунда бахтиёр бўласиз.

Қадимий чегаралар

14 Эгангиз Худо сизларга мулк қилиб бераётган ерда, ота–боболарингиз

илгаридан белгилаган қўшнингизнинг чегарасини сурманглар.

Гувоҳлар ҳақида

15 Бировни гуноҳ ёки жиноят қилишда айблаш учун битта гувоҳ етарли эмас.
Иш иккита ёки учта гувоҳнинг сўзлари асосида кўриб чиқилади. 16 Агар сохта
гувоҳ ёмон ният билан бирортасини айбласа, 17 жанжаллашаётган иккала одам
Эгамизнинг ҳузурига борсинлар. Ўша кунларда хизматини ўтаётган
руҳонийларга ва ҳакамларга учрашсинлар. 18 Ҳакамлар ишни яхшилаб кўриб
чиқишсин. Агар гувоҳ биродарига қарши ёлғон гувоҳлик бераётган бўлса,
19 биродарига қарши ўйлаган ниятини ўзига қайтаринглар. Шу тариқа
орангиздан ёмонликни йўқ қилинглар. 20 Бошқалар бўлиб ўтган воқеаларни
эшитиб, қўрқадилар, орангизда бундай жиноятни бошқа қилмайдилар.
21 Бундайларга раҳм қилманглар: жон эвазига жон, кўз эвазига кўз, тиш эвазига
тиш, қўл эвазига қўл, оёқ эвазига оёқ.

20–БОБ

Жанг ҳақида

1 Душманларингизга қарши урушга борганингизда, отларни, араваларни,
ўзингизникидан кўпроқ бўлган лашкарни кўрсаларингиз, улардан қўрқманглар.
Чунки сизларни Мисрдан олиб чиққан Эгангиз Худо сизлар биландир. 2 Жангга
киришингиздан олдин, руҳоний лашкарнинг олдига чиқсин, 3 уларга шундай
десин: “Қулоқ сол, эй Исроил халқи! Бугун сизлар душманларингизга қарши
жангга чиқяпсизлар. Дадил бўлинглар, қўрқманглар, душман олдида ваҳимага
тушманглар. 4 Эгамиз Худонинг Ўзи сизлар билан урушга боради! Сизлар учун
душманларингизга қарши жанг қилади, сизларга ғалаба беради!”
5 Назоратчилар лашкарга шундай деб айтсин: “Орангизда янги уй қуриб, ўша
уйини ҳали Худога бағишлаб улгурмаган бирорта одам борми? Бор бўлса, уйига
қайтсин. Агар у жангда ҳалок бўлса, бошқа одам унинг уйини бағишлайди.
6 Узумзор экиб, ҳали мевасидан емаган одам борми? Агар бор бўлса, уйига қайтиб
кетсин. У жангда ҳалок бўлса, бошқа одам унинг узумзори мевасидан биринчи
бўлиб татийди. 7 Бирор қизга унаштирилиб, ҳали уйланмаган йигит борми? Агар
бор бўлса, уйига қайтиб кетсин. У жангда ҳалок бўлса, бошқа одам ўша қизга
уйланади.”
8 Назоратчилар яна шундай дейишсин: “Орангизда қўрқувдан юрагини
олдириб қўйган одам борми? Бор бўлса, уйига қайтиб кетсин. Бўлмаса
биродарлари ҳам унга ўхшаб чўчиб қолади.” 9 Назоратчилар лашкарга шу
гапларни айтиб бўлгандан кейин, лашкарбошилар бош бўлсин.
10 Бирор шаҳарни олиш учун яқинлашганингизда, шаҳар аҳлига сулҳ таклиф
қилинг. 11 Улар сулҳга рози бўлиб, дарвозаларини очиб берса, шаҳарнинг бутун
аҳолиси сизларга қарол бўлиб хизмат қилади. 12 Агар шаҳар аҳли сулҳга рози
бўлмай, сизлар билан жанг қилса, шаҳарни қамал қилинглар. 13 Эгангиз Худо у
шаҳарни сизнинг қўлингизга берганда, бутун эркак зотини қиличдан
ўтказинглар. 14 Фақат аёлларни, болаларни, молларни ва шаҳарда қолган ҳамма
нарсани ўлжа қилиб олсангиз бўлади. Эгангиз Худо сизларнинг қўлингизга
берган, душманлардан олган ўлжаларни ишлатишингиз мумкин. 15 Сизлар эгалик
қиладиган юртингиздан узоқда жойлашган шаҳарларни шундай қилинглар.
16 Лекин Эгангиз Худо сизларга мулк қилиб бераётган юртдаги шаҳарларни
қўлга олганингизда бironта жонни тирик қолдирманглар. 17 Эгангиз Худо
сизларга амр этганидай, Хет, Амор, Канъон, Париз, Хив, Ёбус халқларини

тамомила қириб битиринглар. 18 Токи улар ўзларининг худоларига қилган
жирканч одатларини сизларга ўргатмасин. Акс ҳолда, сизлар Эгангиз Худога
қарши гуноҳ қилган бўласизлар.
19 Агар бирор шаҳарни қўлга киритиш учун узоқ вақт қамал қилиб
турсаларингиз, у ердаги мевали дарахтларни кесманглар. Ўша дарахтларнинг
мевасини ейишингиз мумкин, дарахтларнинг ўзини эса кесиб ташламанглар.
Ахир, даладаги дарахтлар одам эмас–ку, қуршовдан қочиб чиқса! 20 Мева
бермайдиган дарахтларни эса кесишингиз мумкин. Шаҳар қуламагунча қамал
иншоотларини* қуришда ўша дарахтлардан фойдаланасангиз бўлади.

21–БОБ

Қотил топилмаганда кўриладиган чоралар

1 Эгангиз Худо сизларга мулк қилиб бераётган юртнинг бирор даласида одам
жасади топилса ва уни ким ўлдиргани номаълум бўлса, 2 оқсоқоллар ва ҳакамлар
мурда билан атрофдаги шаҳарлар оралиғидаги масофани ўлчашсин. 3 Мурдага энг
яқин шаҳарнинг оқсоқоллари ҳали қўшга қўшилмаган, бўйинтуруқ солинмаган
ғунажинни олишсин. 4 Шаҳар оқсоқоллари ерга ишлов берилмаган, уруғ
экилмаган, сув оқиб турадиган сойликка бу ғунажинни олиб боришсин. Ўша
сойликда ғунажиннинг бўйнини синдиришсин. 5 Леви руҳонийлари бу ерга
келишсин. Эгангиз Худо “Леви насли Менга хизмат қилсин, Менинг номим билан
халқни дуо қилсин”, деб уларни танлаган. Барча жанжалли ишлар ва зўравонлик
масалалари уларнинг сўзи билан ҳал қилинади. 6 Мурдага энг яқин бўлган
шаҳарнинг оқсоқоллари сойликда бўйни синдирилган ғунажиннинг тепасида
қўлларини ювишсин. 7 Кейин улар шундай десин: “Бу одамнинг қонини бизнинг
қўлларимиз тўккани йўқ. Ким қилганини кўзларимиз кўргани йўқ. 8 Эй Эгамиз!
Ўзинг Мисрдан озод қилган халқинг Исроилни кечиргин, халқинг Исроилни
тўкилган айбсиз қонга жавобгар қилмагин.” Шундан сўнг улар тўкилган қонга
жавобгарликдан холи бўладилар. 9 Шундай қилсангизлар, Эгамизнинг олдида
тўғри иш қилган бўласизлар, айбсизнинг қонидан ўзингизни тозалайсизлар.

Асиралар ҳақида

10 Эгангиз Худо жангда душманларингизни сизларга мағлуб этганда, уларни
асирга олганингизда, 11 асирлар орасида чиройли бир аёлни кўриб, уни севиб
қолганингиздан унга уйланмоқчи бўлсангиз, 12 уни уйингизга олиб келинг. Ўша
аёл сочини қириб ташласин, тирноқларини олсин. 13 Асирликда кийган
кийимларини алмаштирсин. Бир ой давомида ота–онаси учун аза тутиб,
уйингизда яшасин. Шундан кейин сиз у аёлнинг олдига кира оласиз, сиз унинг
эри, у эса сизнинг хотинингиз бўлади. 14 Агар ўша аёл сизга ёқмай қолса, уни озод
қилинг. Уни сотманг, унга қулдай муносабатда бўлманг, чунки уни хотинингиз
бўлишга мажбур қилгансиз.

Тўнғич ўғилнинг мероси

15 Агар бирортасининг иккита хотини бўлса–ю, бирини яхши кўриб,
иккинчисини яхши кўрмаса, иккаласи ҳам унга ўғил туғиб берса, тўнғичи яхши
кўрмаган хотинининг ўғли бўлса, 16 ўғилларига мерос бўлиб бераётганда, яхши
кўрган хотиннинг ўғлини устун қўймасин, унга тўнғич ўғил ҳуқуқини бермасин.
17 Яхши кўрмаган хотиннинг ўғлини тўнғич деб тан олсин, унга мол–дунёсидан
икки ҳисса мерос берсин. Чунки ўша ўғил отаси қудратининг илк ҳосилидир.
Тўнғичлик ҳуқуқи ўша ўғилга тегишлидир.

Итоатсиз ўғил

18 Агар бирортасининг ўғли ота–онасининг гапига қулоқ солмайдиган, ўжар ва
итоатсиз бўлса, уни жазолаганларида ҳам гапларига кирмаса, 19 ота–онаси у
ўғилни шаҳар дарвозасида хизмат қиладиган шаҳар оқсоқоллари олдига олиб
келсин. 20 Ота–онаси оқсоқолларга: “Бу ўғлимиз ўжар ва итоатсиздир. У бизнинг
гапимизга қулоқ солмайди. У очкўз ва майхўрдир”, десин. 21 Шундан кейин шаҳар
эркаклари ўша йигитни тошбўрон қилиб ўлдирсин. Шундай қилиб, орангиздан
ёмонликни йўқ қилинглар. Бутун Исроил халқи бу воқеани эшитиб, қўрқади.

Жиноятчининг жасади

22 Агар бирортаси ўлим ҳукмига лойиқ гуноҳ қилса, сизлар уни ўлдириб,
жасадини тик ўрнатилган ходанинг учига қоқсангиз, 23 ўша жасад кечаси билан
ходада осиғлиқ қолмасин. Уни ўша куниёқ дафн қилинглар, чунки ёғочга
қоқилган одам Худо томонидан лаънатлангандир. Эгангиз Худо сизга мулк қилиб
бераётган юртни ҳаром қилманглар.

22–БОБ

Ҳар хил қонунлар

1 Биродарингизнинг адашиб қолган молини ёки қўйини кўриб қолганингизда,
ўзингизни кўрмаганга олманг, уни албатта эгасига қайтариб олиб боринг. 2 Агар
ҳайвоннинг эгаси сиздан узоқда яшаса ёки сиз эгасини танимасангиз, уйингизга
олиб боринг. Эгаси келиб олиб кетмагунча унга қараб туринг, кейин қайтариб
беринг. 3 Биродарингизнинг эшагига ҳам, кийимига ҳам, сиз топиб олган ҳар
қандай нарсасига шундай муносабатда бўлинг. Ўзингизни кўрмаганга олманг.
4 Биродарингизнинг эшаги ёки ҳўкизи йўлда ётиб қолганини кўрсангиз,
ўзингизни кўрмаганга олманг, уларни турғизишга ёрдам беринг.
5 Аёл эркакнинг кийимини киймасин, эркак эса аёлнинг либосини киймасин.
Бундай иш қиладиганларнинг ҳаммасидан Эгангиз Худо жирканади.
6 Йўлда кетаётганингизда дарахтдаги ёки ердаги қуш инига дуч келсангиз,
қуш тухум босган ёки полапонлари билан ўтирган бўлса, онасини болалари билан
олманг. 7 Ўзингизга фақат полапонларини олишингиз мумкин, онасини эса қўйиб
юборинг. Шунда бахтиёр бўлиб, умрингиз узоқ бўлади.
8 Янги уй қурсангиз, томингиз атрофида тўсиқ қуринг. Шунда бирортаси
томингиздан йиқилиб ўлса*, оилангиз жавобгар бўлмайди.
9 Узумзорингиз эгатларига бошқа турдаги уруғ экманг. Акс ҳолда,
узумзорингиздан ва эккан уруғингиздан олган жамики ҳосилни Эгамизга
бағишлашингизга тўғри келади.
10 Ҳўкиз билан эшакни бирга қўшга қўшманг.
11 Устингизга жун ва зиғирпоядан аралаштириб тўқилган кийимни кийманг.
12 Тўнингизнинг этагига попук қилиб осиб юринг.

Жинсий алоқага оид қонунлар

13 Бирортаси уйланиб, қиз билан ётгандан сўнг уни ёқтирмай қолса, 14 қизни
ёмон отлиқ қилиб, мен бу қизга уйландим, у эса қиз чиқмади, деб баҳона қилса,
15 қизнинг ота–онаси қизлик белгиларини оқсоқолларга кўрсатиш учун шаҳар
дарвозасига олиб борсин. 16 Қизнинг отаси оқсоқолларга шундай айтсин:
“Қизимни мана бу кишига узатган эдим. Энди у қизимни ёқтирмай қолибди.
17 Қизингиз қиз чиқмади, деб баҳона қиляпти. Мана қизимнинг қизлик
белгилари”, деб шаҳар оқсоқоллари олдига ўша матони ёйсин. 18 Шаҳар

оқсоқоллари ўша кишини олиб келиб, жазоласин. 19 Оқсоқоллар унга юз бўлак
кумуш* жарима солсинлар. У Исроил халқининг бокира қизини ёмон отлиққа
чиқаргани учун кумушни қизнинг отасига берсинлар. Қиз у одамнинг хотини
бўлиб қолаверсин, у одам қиздан умри бўйи ажралиши мумкин эмас.
20 Лекин у одамнинг айтганлари тўғри бўлиб, қиз бокира бўлмаса, 21 қизни
отасининг эшиги олдига олиб келишсин. Шаҳар эркаклари у қизни тошбўрон
қилиб ўлдирсин. У отасининг уйида яшаган пайтда фоҳишалик қилиб, Исроил
халқи орасида шармандаларча иш қилди. Шу тариқа орангиздан ёмонликни йўқ
қилинг.
22 Агар бирор эркак оилали хотин билан ётса ва бу маълум бўлиб қолса,
иккови — хотин ҳам, хотин билан ётган эркак ҳам ўлдирилсин. Шу тариқа
Исроилдан ёмонликни йўқ қилинг.
23 Агар бирон қиз унаштирилган бўлса–ю, шаҳарда бирортаси ўша қизни
учратиб қолиб, у билан ётса, 24 икковини ҳам ўша шаҳарнинг дарвозаси олдига
олиб келишсин. Қиз шаҳарда бўла туриб, бақирмагани учун жазолансин. Эркак
эса бировнинг хотинини* шарманда қилгани учун жазолансин. Икковини ҳам
тошбўрон қилиб ўлдиринг. Шу тариқа орангиздан ёмонликни йўқ қилинг.
25 Агар бирорта эркак унаштирилган қизни далада учратиб қолиб, уни ушлаб
зўрласа, ўша қиз билан ётган эркакнигина ўлдириш керак. 26 Қизга ҳеч нарса
қилманглар. У қизнинг ўлимга лойиқ айби йўқ, бу худди бирорта одам бошқасига
ҳужум қилиб ўлдиргани кабидир. 27 Чунки ўша эркак қизни далада ушлаб олган,
қиз ёрдам сўраб бақирган бўлиши мумкин. Аммо уни қутқарадиган ҳеч ким
бўлмаган.
28 Агар бирортаси унаштирилмаган қизни учратиб қолса, қизни ушлаб, у билан
ётса, аммо икковини ушлаб олишса, 29 ўша қиз билан ётган киши қизнинг отасига
эллик бўлак кумуш* бериши керак. Қиз эса унинг хотини бўлсин. Ўша одам қизни
шарманда қилгани учун умри бўйи у қиздан ажралиши мумкин эмас.
30 Ҳеч ким отасининг хотинига уйланмасин, бундай қилиб отасини шарманда
қилмасин.

23–БОБ

Эгамизнинг жамоасига кира олмайдиган одамлар

1 Жинсий аъзоси кесиб ташланган ёки мояги эзилган одамга Эгамиз жамоаси
йиғинида иштирок қилиш ман этилади. 2 Ноқонуний туғилган бола Эгамиз
жамоасига киролмайди, унинг ўнинчи авлодигача бирорта авлоди ҳам Эгамиз
жамоасига киролмайди. 3 Оммонликлар ва Мўабликлар Эгамиз жамоасига
киролмайди, уларнинг ўнинчи авлодигача бирорта авлоди Эгамиз жамоасига
асло киролмайди. 4 Чунки Мисрдан чиқиб келаётганингизда улар йўлда сизларни
нон ва сув билан кутиб олмадилар. Улар Орам–Нахрайимдаги* Патўр шаҳридан
Бавўр ўғли Баломни сизларни лаънатлаш учун ёллади*. 5 Лекин Эгангиз Худо
Баломга қулоқ солишни хоҳламади. Эгангиз Худо сизларни севгани учун
Баломнинг лаънатини баракага айлантирди. 6 Тирик экансиз, уларнинг
тинчлигини, фаровонлигини ҳеч қачон кўзламанглар. 7 Эдомликлардан эса ҳазар
қилманглар, чунки улар сизларнинг қариндошларингиздир*. Мисрликлардан ҳам
ҳазар қилманглар, чунки сизлар уларнинг юртида мусофир бўлган эдингизлар.
8 Улардан туғилган учинчи авлод болалари Эгамиз жамоасига кирса бўлади.

Қароргоҳни ҳалол сақлаш

9 Душманларингиз билан жанг қилишга борганингизда, ҳар қандай

ҳаромликдан сақланинг. 10 Агар орангиздан бирортаси, кечаси маний оққани
туфайли ҳаром бўлиб қолса, у қароргоҳдан чиқиб кетсин. У қароргоҳда қолиши
мумкин эмас. 11 Кеч кираётганда ювиниб, қуёш ботгандан кейин қароргоҳга
кириши мумкин.
12 Қароргоҳнинг ташқарисида ҳожат чиқаришингиз учун жой бўлсин.
13 Қурол–аслаҳангиз орасида куракчангиз ҳам бўлсин, эҳтиёжингизни қондириш
учун чуқурча ковлаб, кейин уни кўмиб қўйинг. 14 Қароргоҳингизни пок сақланг,
чунки Эгангиз Худо сизларга нажот бериш ва душманларингиз устидан ғалаба
қозонишингиз учун сизлар билан қароргоҳдадир. Агар У орангизда уятли
ишларни кўрса, сизлардан юз ўгиради.

Ҳар хил қонунлар

15 Ўз эгасидан қочиб, Исроилдан паноҳ сўраб келган қулни яна қайтариб
эгасига бериб юбормanглар. 16 У сизларнинг орангизда, ўзи ёқтирган жойда,
танлаган шаҳарларингизнинг бирида яшайверсин. Унга зулм қилманглар.
17 Исроил аёллари орасида саждагоҳ фоҳишалари бўлмасин. Исроил эркаклари
орасида саждагоҳ фоҳишлари* бўлмасин. 18 Эгангиз Худо бузуқ аёлу эркаклардан
жирканади. Уларнинг иш ҳақини Эгангиз Худонинг уйига олиб кирманглар.
Ўшани аталган назр сифатида келтирманглар.
19 Исроил халқидан бўлган биродарингизга кумушни, нонни ёки ҳар қандай
бошқа нарсани қарзга берганингизда, фоиз талаб қилманглар. 20 Бошқа халқдан
бўлгандан фоиз талаб қилсангиз бўлади, лекин биродарингиздан фоиз талаб
қилманглар. Шунда Эгангиз Худо сизга мулк қилиб берадиган юртда ҳар бир
ишингизга барака беради.
21 Эгангиз Худога назр атаган бўлсангиз, уни кечиктирмасдан келтиринг.
Эгангиз Худо ваъдангизни бажаришни сиздан талаб қилади. Келтирмасангиз,
ўзингизга гуноҳ орттириб оласиз. 22 Назр атамасангиз гуноҳ бўлмайди. 23 Аммо ўз
хоҳишингиз билан Эгангиз Худога онт ичиб назр атасангиз, оғзингиздан чиққан
ваъдангизни албатта бажаринг.
24 Бировнинг узумзорига кирганингизда, тўйгунингизча узумдан есангиз
бўлади, лекин идишингизга териб олманг. 25 Бировнинг даласига кирганингизда
қўлингиз билан бошоқ узсангиз бўлади, лекин экинига ўроқ солманг.

24–БОБ

Ажралиш ва қайтадан турмуш қуриш

1 Агар бирор киши уйланса–ю, кейинчалик хотинидан бирорта уятли қилиқ
топиб, уни ёқтирмай қолса, унинг қўлига талоқ хати ёзиб бериб, уйидан чиқариб
юбориши мумкин. 2 Аёл эрининг уйидан кетиб, бошқа эрга тегса–ю, 3 бу эри ҳам
уни ёқтирмай қолса, аёлнинг қўлига талоқ хати ёзиб бериб, уйидан чиқариб
юборса ёки аёлнинг кейинги эри ўлиб қолса, 4 биринчи эри аёлга қайтадан
уйланиши мумкин эмас. Чунки у аёл ҳаром бўлди. Бундай қилмишдан Эгамиз
жирканади. Эгангиз Худо сизларга мулк қилиб бераётган юртни булғаманг.

Ҳар хил қонунлар

5 Янги уйланган одам урушга бормасин, шунга ўхшаш мажбурият унга
юкланмасин. У бир йил давомида эркин бўлиб, хотинини уйда бахтли қилсин.
6 Ҳеч ким тегирмонни ёки тегирмон тошини гаровга олмасин. Шундай қилса, у
ҳаётни гаровга олгандай бўлади.
7 Агар бирортаси Исроил халқидан бўлган биродарини ўғирлаб, уни қул қилиб

олгани ёки сотгани маълум бўлса, бундай ўғри ўлдирилсин. Шу тариқа орангиздан ёмонликни йўқ қилинглар.

8 Тери касаллигидан* эҳтиёт бўлинглар. Мен леви руҳонийларига берган
амрларимни битта қолдирмай бажаринглар. 9 Мисрдан чиққанларингиздан
кейин, Эгангиз Худо йўлда Марямни нима қилганини* эсингизда тутинглар.

10 Бировга бирор нарсани қарзга берганингизда, гаров олгани унинг уйига
кирманг. 11 Ташқарида кутиб туринг. Сиз қарз бераётган одамнинг ўзи сизга
гаровни кўчага олиб чиқиб берсин. 12 Агар у камбағал бўлса, унинг кийимини
гаровга олиб, ухлагани ётманг. 13 Қуёш ботаётганда ундан олган гаровни
қайтариб беринг. У ўзининг кийимини кийиб ухласин, сизни дуо қилсин. Бу
билан сиз Эгангиз Худонинг назарида тўғри иш қилган бўласиз.

14 Камбағал, муҳтож мардикорнинг иш ҳақини ушлаб қолманг. У Исроил
халқидан бўладими ёки шаҳрингизга келган мусофир бўладими, бундай қилманг.
15 У камбағалдир, тирикчилиги мана шу иш ҳақига боғлиқ. Шунинг учун ҳар куни,
қуёш ботмасдан олдин унга ҳақини беринг. Акс ҳолда, биродарингиз Эгамизга
сиздан нолийди, натижада сиз гуноҳ орттириб оласиз.

16 Оталар фарзандларининг гуноҳи учун ўлдирилмасин. Фарзандлар
оталарининг гуноҳи учун ўлдирилмасин. Ҳар ким ўз гуноҳи учун ўзи ўлим
жазосини олсин.

17 Мусофир ва етимга ноҳақлик қилманг, беванинг кийимини гаровга олманг.
18 Ўзларингиз ҳам Мисрда қул бўлганингизни, Эгангиз Худо сизларни озод қилиб,
у ердан олиб чиққанини ёдингизда тутинг. Шунинг учун ҳам мен сизларга
шундай қилинглар, деб буюряпман.

19 Далангиз ҳосилини ўрганингизда, бирон боғлам эсингиздан чиқиб қолса, шу
боғламни олиб келгани қайтиб борманг. Ўша боғлам мусофирларга, етим ва
беволарга қолсин. Шунда Эгангиз Худо қиладиган ҳар бир ишингизга барака
беради. 20 Зайтун дарахтингиз мевасини қоқиб олганингиздан кейин,
қолган–қутганига тегманг. Уларни мусофирларга, етим ва беволарга қолдиринг.
21 Узумзорингиз ҳосилини йиққанингизда, токларда қолиб кетган узум
бошларини йиғиб олманг. Уларни мусофир, етим ва беволарга қолдиринг.
22 Мисрда қул бўлганингизни эсингиздан чиқарманг. Шунинг учун ҳам мен
сизларга шундай қилинглар, деб буюряпман.

25–БОБ

1 Икки киши жанжаллашганда, улар ҳакамлар олдига келсин. Ҳакамлар
даъвога қараб, улардан бирини ҳақ, иккинчисини ноҳақ деб эълон қилсин. 2 Агар
ноҳақ деб топилган киши калтакланишга лойиқ бўлса, ҳакам айбдорни ётқизсин.
Ўз олдида айбига кўра, унга дарра урдирсин. 3 Айбдорга қирқ даррадан ортиғи
урилмасин. Акс ҳолда, биродарингиз кўзингиз олдида хўрланади.

4 Ғалла янчаётган* ҳўкизнинг оғзини тўсманг.

Марҳум ака ёки ука олдидаги бурч

5 Агар бирга яшаётган ака–укаларнинг биттаси ўлса–ю, унинг ўғли бўлмаса,
марҳумнинг хотини бегонага турмушга чиқмасин. Марҳумнинг акаси ёки укаси
бевани ўзига хотин қилиб олсин. Унинг олдида қайнағалик вазифасини
бажарсин. 6 Ўша аёл туққан тўнғич ўғил марҳум ака ёки уканинг номини олиб
юради. Шунда марҳумнинг номи Исроилдан ўчиб кетмайди. 7 Агар ўша одам
марҳум акаси ёки укасининг бевасига уйланишни хоҳламаса, бева аёл шаҳар
дарвозасига бориб, оқсоқолларга айтсин: “Қайнағам туғишганининг номини

Исроил халқи орасида тиклашни рад қиляпти, мен учун қайнағалик вазифасини бажаришни истамаяпти.” 8 Шунда шаҳар оқсоқоллари ўша одамни чақириб, у билан суҳбатлашсин. Агар ўша одам: “Мен бу аёлга уйланишни хоҳламайман”, деб туриб олса, 9 бева аёл қайнағасининг ёнига борсин. Шаҳар оқсоқоллари олдида унинг чориғини ечсин, сўнг унинг юзига тупуриб, айтсин: “Биродарининг наслини тиклашни хоҳламаган одамга шундай қилинади.” 10 Исроил халқи орасида у одамнинг хонадони “чориғи ечилган” деб ном олади.

Бошқа қонунлар

11 Икки киши бир–бири билан уришаётганда, улардан бирининг хотини келиб, эрини қутқариш мақсадида нариги эркакнинг нозик жойидан ушласа, 12 ўша аёлнинг қўли кесиб ташлансин. Унга раҳм қилманглар.

13 Қадоқ тошларингиз тўғри бўлсин, бири оғир, бири енгил бўлмасин. 14 Уйингиздаги ўлчов косаларнинг ҳажми тўғри бўлсин, бири катта, бири кичик бўлмасин. 15 Тошларингиз ҳалол ва тўғри бўлсин, ўлчовларингиз ҳам ҳалол ва тўғри бўлсин. Шунда Эгангиз Худо сизларга берадиган юртда умрингиз узоқ бўлади. 16 Ғирромлик қиладиганларнинг ҳаммасидан Эгангиз Худо жирканади.

Омолек халқини ўлдириш ҳақида буйруқ

17 Мисрдан чиқаётганингизда йўлда Омолек халқи сизларга нима қилганини* эсингиздан чиқарманг. 18 Сизлар чарчаб, ҳолсизланиб қолганингизда, улар Худодан қўрқмай сизларга ҳужум қилган эдилар. Орқангизда келаётган ҳамма ҳолдан тойганларни ўлдирган эдилар. 19 Эгангиз Худо сизларга юртни мулк қилиб берганда, душманларингизни енгиб, ҳар тарафдан осойишталик ато қилганда, Омолек халқини ҳалок қилиб, уларнинг номини ер юзидан ўчиринглар. Бундай қилишни унутманглар!

26–БОБ

Ҳосилдан бериладиган назрлар

1 Эгангиз Худо сизларга мулк қилиб бераётган юртга кириб, у ерни эгаллаб жойлашганингизда, 2 ҳамма экинларингизнинг илк ҳосилидан олиб, саватга солинглар. Сўнг ўшани Эгангиз Худо Ўзи улуғланиши учун танлайдиган жойга олиб боринглар. 3 Хизматда бўлган руҳонийнинг олдига бориб, шундай деб айтинглар: “Эгамиз ота–боболаримизга қасам ичиб бераман деган юртга мен кирдим. Бугун мен шуни Эганг Худо олдида эътироф қиляпман.” 4 Руҳоний саватни қўлингиздан олиб, Эгангиз Худонинг қурбонгоҳи олдига қўйсин. 5 Сизлар Эгангиз Худонинг ҳузурида шу гапни айтинглар: “Бобокалонимиз Ёқуб кўчманчи бир Орамлик эди*. Саноқли одам билан Мисрга бориб, у ерда мусофир бўлиб яшади. Ундан буюк, кучли, кўп сонли халқ келиб чиқди. 6 Мисрликлар бизни оғир ишларга солиб, эзиб қийнадилар. 7 Шунда биз ота–боболаримизнинг Худоси — Эгамизга ёлворган эдик, Эгамиз илтижоимизни эшитди. Биз чекаётган азобларни, қилаётган оғир меҳнатимизни, Мисрликлар бизга қилаётган зулмни кўрди. 8 Шундан кейин Эгамиз қудратию ажойиботлари билан, буюк, ваҳимали аломату мўъжизалари билан бизни Мисрдан олиб чиқди. 9 Бизни мана шу жойга олиб келди, сут ва асал оқиб ётган шу юртни* бизга берди. 10 Энди, эй Эгамиз, бизга берган ернинг илк ҳосилини Сенга олиб келдик.”

Шундан кейин саватни Эгангиз Худо олдига қўйиб, Унга таъзим қилинг.

11 Эгамиз Худо сизга ва оилангизга берган мўл–кўллик туфайли шодланиб, байрам қилинглар. Левилар ва орангизда яшаган мусофирлар ҳам сизлар билан

байрам қилсин.
12 Сизлар учинчи йилда, ушр* бериш йилида, барча ҳосилингизнинг ўндан бир
қисмини ажратинг. Кейин ўша ушрни левиларга, мусофирларга, етим ва
беваларга беринг, токи улар ҳам шаҳарларингизда еб тўйсин. 13 Сўнгра Эгангиз
Худога айтинг: “Мен уйимдан муқаддас улушни ажратиб олдим. Сенинг амрингга
кўра, бу улушни левиларга, мусофирларга, етимларга, беваларга бердим. Сенинг
амрларингдан чиқмадим, ҳеч қайси амрингни унутмадим. 14 Аза тутган пайтимда
муқаддас ушрдан емадим. Ҳаром бўлганимда унга тегмадим, бирон қисмини ҳам
ўликлар учун атамадим. Эй Эгам Худо, Сенга қулоқ солдим, менга берган ҳамма
амрларингга риоя этдим. 15 Энди самодаги муқаддас маконингдан бизга боқ!
Ота–боболаримизга ичган қасамингга биноан, бизга, Исроил халқингга, барака
бер. Ўзинг бизга берган сут ва асал оқиб ётган юртга барака бер.”

Эгамизнинг Ўз халқи

16 Эгангиз Худо бугун сизларга: “Мана шу фармонлар ва қонун–қоидаларга
риоя қилинглар”, деб буюряпти. Буларни битта қолдирмай, бутун қалбингиз
билан, жону дилингиз билан бажаринглар. 17 Бугун сизлар шундай деб айтдингиз:
“Эгамиз бизнинг Худойимиз, Унинг йўлидан юрамиз, Унинг фармонларига,
амрларига, қонун–қоидаларига риоя қиламиз, Унга қулоқ соламиз.” 18 Эгамиз
сизларга берган ваъдасига кўра, бугун сизларни Ўз халқи, Ўз хазинаси деб атади.
Унинг барча амрларига риоя қилсангиз, 19 У сизларни Ўзи яратган барча
халқлардан устун қилади. Сизлар мақтовларга, шуҳрату ҳурматга эришасиз.
Унинг ваъдасига кўра, Эгангиз Худонинг муқаддас халқи бўласиз.

27–БОБ

Худонинг тошда битилган қонунлари

1 Мусо ва Исроил оқсоқоллари халққа шундай буйруқ беришди:
— Бугун мен сизларга бераётган барча амрларга риоя қилинглар. 2-4 Кўп ўтмай
сизлар Эгангиз Худо берадиган юртга кирасизлар. Сут ва асал оқиб ётган бу
юртни* ота–боболарингизнинг Худоси сизларга ваъда қилган. Сизлар Иордан
дарёсидан кечиб ўтганингиздан кейин, Эбал тоғига* боринглар. Ўша ерга катта
тошларни ўрнаштиринглар. Уларни суваб, бу қонунларнинг нусхасини ёзинглар.
5 Ўша ерда Эгангиз Худога атаб, тош қурбонгоҳ қуринглар. Қурбонгоҳга темир
асбоб теккизманглар. 6 Эгангиз Худонинг бу қурбонгоҳини йўнилмаган
тошлардан қуринглар. Қурбонгоҳ устида Эгангиз Худога куйдириладиган
қурбонликлар келтиринглар. 7 Тинчлик қурбонликларини ҳам шу ерда келтириб,
тановул қилинглар. Эгангиз Худо олдида хурсандчилик қилинглар. 8 Ўрнатадиган
тошларга бу қонуннинг ҳамма сўзларини ёзишни унутманглар. Уларни ўқиш осон
бўлсин.
9 Шундан кейин Мусо билан леви руҳонийлари бутун Исроил халқига
айтдилар:
— Тинчланинг, қулоқ солинг, эй Исроил халқи! Бугун сизлар Эгангиз Худонинг
халқи бўлдингиз*. 10 Эгангиз Худога қулоқ солинглар. Бугун мен сизларга
бераётган Унинг амрларига ва фармонларига риоя қилинглар.

Итоатсизликдан келадиган лаънатлар

11 Ўша куни Мусо халққа қуйидаги буйруқни берди:

12 Иордандан ўтганларингиздан кейин, халқни дуо қилиш учун қуйидаги
қабилалар Гаризим тоғида турсинлар: Шимўн, Леви, Яҳудо, Иссахор, Юсуф,

Бенямин. 13 Лаънатлар ўқиш учун эса қуйидаги қабилалар Эбал тоғида* турсин:
Рубен, Гад, Ошер, Забулун, Дан, Нафтали. 14 Левилар жамики Исроил халқига
баланд овоз билан шундай десин:

15 “Ўйма ёки қуйма бут ясаган, уни яширинча ўрнатган ҳар қандай одам
лаънати бўлсин. Ҳунармандлар қилган бу бутлардан Эгамиз жирканади.”
Бутун халқ: “Омин”, деб айтсин.
16 “Отасини ёки онасини ҳурмат қилмаган лаънати бўлсин.” Бутун халқ:
“Омин”, деб айтсин.
17 “Ўз қўшнисининг чегарасини сурган лаънати бўлсин.” Бутун халқ:
“Омин”, деб айтсин.
18 “Кўр одамни йўлдан адаштирган лаънати бўлсин.” Бутун халқ:
“Омин”, деб айтсин.
19 “Мусофир, етим ва беваларга ноҳақлик қилган лаънати бўлсин.” Бутун
халқ: “Омин”, деб айтсин.
20 “Отасини шарманда қилиб, унинг хотини билан ётган лаънати
бўлсин.” Бутун халқ: “Омин”, деб айтсин.
21 “Бирорта ҳайвон билан жинсий алоқа қилган лаънати бўлсин.” Бутун
халқ: “Омин”, деб айтсин.
22 “Отасининг ёки онасининг қизи билан ётган, ўз опаси ёки синглиси
билан ётган лаънати бўлсин.” Бутун халқ: “Омин”, деб айтсин.
23 “Қайнанаси билан ётган лаънати бўлсин.” Бутун халқ: “Омин”, деб
айтсин.
24 “Одамни яширинча ўлдирган лаънати бўлсин.” Бутун халқ: “Омин”,
деб айтсин.
25 “Бегуноҳни ўлдирмоқ учун пора олган лаънати бўлсин.” Бутун халқ:
“Омин”, деб айтсин.
26 “Мана шу қонунга риоя қилмаган ва уни бажармаган лаънати бўлсин.”
Бутун халқ: “Омин”, деб айтсин.

28–БОБ

Итоатгўйликдан келадиган баракалар

1 Агар Эгангиз Худога итоат этиб, мен бугун айтаётган Унинг барча амрларини
битта қолдирмай бажарсангиз, У сизларни ер юзидаги ҳамма халқлардан устун
қилади. 2 Эгангиз Худога итоат этсангиз, У сизларга барака беради, барака сиздан
аримайди.

3 Эгангиз сизга шаҳарда ҳам, далада ҳам барака беради.
4 Ували–жували бўласизлар, ерингиз ҳосилдор, мол–қўйингиз баракали
бўлади, сигирларингиз болалайди, қўйларингиз қўзилайди.
5 Супрангиз ва буғдой солинган саватларингиз баракали бўлади.
6 Уйда бўлганингизда ҳам, йўлга чиққанингизда ҳам Эгамиз сизга
барака беради.

7 Сизларга ҳужум қилган душманларингизни Эгамиз мағлуб қилади. Улар
сизларга бир томондан ҳужум қилиб келади, аммо етти томонга тумтарақай
қочади.
8 Қилган ҳар бир ишингизни Эгангиз Худо сербарака қилади,
омборларингизни тўлдиради. У сизларга бераётган юртда барака беради.

9 Эгангиз Худонинг амрларига итоат этсангиз, Унинг йўлидан юрсангиз,
Эгамиз сизларга қасам ичиб ваъда берганидай, сизларни Ўзининг муқаддас халқи
қилади. 10 Эгамизга тегишли эканингизни кўриб, ер юзидаги барча халқлар
сизлардан қўрқадиган бўлади. 11 Эгамиз ота–боболарингизга қасам ичиб,
сизларга бераман, деб ваъда қилган юртда фаровонлик ато қилади.
Ували–жували бўласизлар, молингиз кўпаяди, далангизнинг ҳосили баракали
бўлади. 12 Эгамиз Ўзининг осмондаги бой хазинасини очиб, вақтида ерингизга
ёмғир ёғдиради, қиладиган ҳар бир ишингизга барака беради. Кўп халқларга қарз
берасиз–у, ўзингиз қарз олмайсиз. 13 Бугун Эгангиз Худонинг мен сизларга
айтаётган амрларини битта қолдирмай бажарсангиз, Эгамиз сизларни дум эмас,
бош қилади. Сизлар пастда эмас, баландда бўласиз. 14 Бугун мен сизларга
айтаётган амрлардан ўнгга ёки чапга чиқманг, бошқа худоларга эргашманг,
уларга хизмат қилманг.

Итоатсизликнинг оқибати

15 Агар Эгангиз Худога қулоқ солмасангиз, бугун мен сизларга айтаётган
Эгамизнинг ҳамма амри ва фармонларига риоя қилмасангиз, қуйидаги лаънатлар
бошингизга келади:

16 Шаҳарда ҳам, далада ҳам лаънати бўласиз.
17 Супрангиз ва буғдой солинган саватларингиз лаънатланади.
18 Фарзандга зор бўласиз, ерингиз ҳосил бермайди, мол–қўйингиз
кўпаймайди.
19 Уйда бўлганингизда ҳам, йўлга чиққанингизда ҳам лаънати бўласиз.

20 Эгамизни тарк этиб, қабиҳликлар қилганингиз учун қилган ҳар бир
ишингизда У сизларни лаънатга, бало–қазога дучор қилади. Ишингиз ўнгидан
келмайди. Охири, Эгамиз устингизга кулфат ёғдириб, бир лаҳзада йўқ қилади.
21 Мулк қилиб оладиган юртингизга Эгамиз ўлат юбориб, сизларни йўқ
қилади. 22 У сизларни иситма ва яллиғланиш билан кечадиган тузалмас
касалликка дучор қилади. Жазирама иссиқ ва қурғоқчилик юбориб,
ҳосилингизни қовжиратади, моғорлатади. Ўлгунингизча бу кулфатлар
орқангиздан қувади. 23 Тепангиздаги осмон бронза каби қаттиқ, остингиздаги ер
темир каби заранг бўлади. 24 Йўқ бўлиб кетгунингизча, Эгамиз устингизга ёмғир
ўрнига чанг–тўзон ёғдиради.
25 Эгамиз сизларни душманларингиз олдида тиз чўктиради. Уларга бир
томондан ҳужум қиласизлар, аммо етти томонга тумтарақай қочасизлар. Ер
юзидаги барча шоҳликлар аҳволингизни кўриб, даҳшатга тушади.
26 Мурдаларингиз осмондаги қушларга, ердаги йиртқич ҳайвонларга ем бўлади,
уларни ҳайдайдиган кимса бўлмайди. 27 Эгамиз сизларни Мисрликларга
тоштирган чипқонга, йиринг боғлайдиган яраларга, қўтир ва қичималарга
мубтало қилади. Бу хасталикларга даво тополмайсиз. 28 Эгамиз сизларни ақлдан
оздириб, кўр ва овсар қилиб қўяди. 29 Кўр одам қоронғида пайпасланиб юргандай,
сизлар куппа–кундузи пайпасланиб юрасизлар. Ишларингиз юришмайди, хор
бўласизлар, сизларни талон–тарож қиладилар, ҳеч ким сизларни қутқармайди.
30 Бир қиз билан унаштириласиз, аммо у билан бошқаси ётади. Уй қурасиз–у,
уйингизда яшамайсиз, узумзор экасиз–у, мевасидан емайсиз. 31 Молингизни кўз
олдингизда сўйишади, лекин гўштини емайсиз. Эшагингизни кўз олдингиздан
ўғирлаб кетишади, қайтиб беришмайди. Қўйларингиз душманларингизга
берилади. Сизларга ҳеч ким ёрдам бермайди. 32 Ўғилларингиз, қизларингиз кўз

олдингизда бошқа халқларга берилади. Улар томон талпинасиз–у, бирор нарса қилишга ожиз бўласиз. 33 Ерингиз ҳосилидан, меҳнатингиз самарасидан бегона
халқлар баҳраманд бўлади. Сизни эса ҳар куни эзишади, хор қилишади.
34 Кўзларингиз билан кўрган воқеалардан жинни бўлиб қоласиз. 35 Эгамиз
оёқларингизга тузалмас яралар тоштиради. Бутун баданингизга бошдан–оёқ
чипқон чиқади.
36 Эгамиз сизларни ва устингиздан қўйган шоҳни ўзларингиз ҳам,
ота–боболарингиз ҳам билмаган халқ олдига ҳайдаб боради. У ерда ёғоч ва
тошдан ясалган бошқа худоларга хизмат қиласиз. 37 Эгамиз сизларни ўша бегона
халқларга олиб борганда, улар аҳволингиздан даҳшатга тушади. Сизлар уларга
масхара, кулги бўласиз.
38 Далага кўп уруғ экасиз, лекин кам ҳосил оласиз. Ҳосилингизни чигирткалар*
еб битиради. 39 Узумзорлар барпо қиласиз, парваришлайсиз, лекин шаробидан
ичмайсиз, узумини термайсиз. Уларга қурт тушади. 40 Ерларингизда зайтун
дарахтлари ўсади, лекин устингизга зайтун мойи суртмайсиз. Зайтун мевалари
тўкилиб кетади. 41 Ўғил–қизлар кўрасиз, лекин улар ўзингизга буюрмайди,
уларни асир қилиб олиб кетишади. 42 Ҳамма дарахтларингиздаги меваларни ва
ерингиз ҳосилини чигирткалар еб, нобуд қилади.
43 Орангиздаги мусофирлар янада кўтарилади, сизлар эса янада пасаясиз.
44 Улар сизларга қарз беради, сизлар эса уларга қарз беролмайсиз. Улар бош
бўлади, сизлар эса дум бўласиз.
45 Эгангиз Худога итоат этмаганингиз учун, У сизларга айтган амрларни ва
фармонларни бажармаганингиз учун, мана шу лаънатлар бошингизга келади,
орқангиздан қувиб, сизларга етиб олиб ҳалок қилади. 46 Бу лаънатлар то абад
сизлар ва авлодларингиз учун Худо берган жазонинг исботи бўлади. 47 Ҳамма
нарса мўл–кўл бўлганда, сизлар Эгангиз Худога хурсандчилигу қувонч билан
хизмат қилмадингиз. 48 Шунинг учун Эгамиз юборган душманларга хизмат
қиласиз, оч, ташна, яланғоч, муҳтож бўлиб қоласиз. Душманларингиз сизларга
темир бўйинтуруқ солади, ҳаммангизни нобуд қилади. 49 Эгамиз бошингизга
узоқдан, ер юзининг у четидан бургутдай бир халқни юборади. Сизлар бу
халқнинг тилини тушунмайсиз. 50 Бу халқ қўрқинчли, катталарни ҳурмат
қилмайди, кичикларга раҳм–шафқат кўрсатмайди. 51 Сизларни хонавайрон
қилмагунча, молларингизни, ерингизнинг ҳосилини ейишади. Сизларга на донни,
на шаробни, на зайтун мойини, на подангиздаги бузоқларни, на сурувингиздаги
қўзиларни қолдиришади. Шунда сизлар йўқ бўлиб кетасизлар. 52 Эгангиз Худо
сизларга бераётган юртдаги ҳамма шаҳарларни улар қамал қилишади. Сиз
суянган баланд ва мустаҳкам деворларни вайрон қилишади.
53 Қамал пайтида душманларингиз бошингизга солган кулфат туфайли ўз
фарзандларингизни, Эгангиз Худо сизларга берган ўғил–қизларингизнинг этини
ейсизлар. 54 Ораларингиздаги энг мулойим, энг диёнатли эркак ҳам туғишган
акасидан, суюкли хотинидан, соғ қолган болаларидан этни қизғанади. 55 Ўзи
еяётган болаларининг этидан ҳеч кимга бермайди, бундан бошқа чораси ҳам
бўлмайди. Чунки душманнинг қуршови ҳамма шаҳарларингизда сизни шу қадар
танг аҳволга солиб қўяди. 56 Ораларингиздаги энг мулойим, энг нозик аёл,
нозиклигидан оёғини ерга қўйишни ҳам истамайдиган аёл, севикли эридан, ўғли
ва қизидан этни қизғанади. 57 Очликдан у, ҳатто, оёқлари орасидан чиққан
йўлдошни ва ўзи туққан болаларни яширинча ейди. Душманнинг қуршови ҳамма
шаҳарларингизда сизни шу қадар танг аҳволга солиб қўяди.
58 Эгангиз Худонинг буюк ва ҳайбатли номидан қўрқмасангиз, шу китобда

ёзилган қонуннинг ҳамма сўзларини бажармасангиз, 59 Эгамиз ўзларингизни ва
авлодларингизни оғир ва доимий кулфатларга, ёмон, тузалмайдиган
хасталикларга гирифтор қилади. 60 Сизларни ваҳимага туширадиган барча Миср
хасталикларини бошингизга солади, улардан ҳеч қачон шифо топмайсиз.
61 Сизлар йўқ бўлгунингизча, Эгамиз мана шу қонун китобида ёзилмаган бошқа
хасталигу офатларни ҳам бошингизга келтираверади. 62 Сизлар осмондаги
юлдузлар каби кўп эдингизлар, аммо Эгангиз Худога қулоқ солмаганингиз учун
саноқли бўлиб қоласизлар. 63 Эгамиз сизларга яхшилик қилиб, сизларни
кўпайтиргандан қанчалик мамнун бўлган бўлса, сизларни ҳалок қилиб йўқ
қилгандан ҳам шунчалик мамнун бўлади. Мулк қилиб оладиган юртингиздан
сизларни суғуриб, улоқтириб ташлайди.
64 Эгамиз сизларни дунёнинг у четидан бу четигача ҳамма халқлар орасига
тарқатиб юборади. У ерда ўзларингиз ҳам, ота–боболарингиз ҳам билмаган, тош
ва ёғочдан ясалган бошқа худоларга хизмат қиласизлар. 65 Лекин бу халқлар
орасида ором тополмайсизлар, оёқ узатиб дам олишингиз учун жой бўлмайди.
Эгамиз сизларга титроқ юрак, хира кўз, умидсиз руҳ беради. 66 Ҳаётингиз қил
устида тургандек бўлади, кечасию кундузи ўлимдан қўрқиб яшайсиз.
67 Юрагингиздаги қўрқув ва кўзларингиз кўраётган воқеалар туфайли эрталаб:
“Қанийди, кечқурун бўлса”, кечқурун эса: “Қанийди, эрталаб бўлса”, дейсизлар.
68 Эгамиз сизларга, Мисрга қайтиб бормайсизлар, деб айтган бўлса–да, У сизларни
кемаларда Мисрга қайтариб жўнатиб юборади. Ўша ерда, душманларимизга қул
ва чўри бўлиб сотилсайдик, деб ҳаракат қиласизлар, лекин сизларни сотиб
оладиган харидорлар бўлмайди.

29–БОБ

Мўаб юртида тузилган аҳднинг шартлари

1-2 Эгамиз Исроил халқи билан Синай тоғида* қилган аҳдидан ташқари, Мусога
Мўабда Исроил халқи билан аҳд қилишни амр этган эди. Мусо бутун Исроил
халқини йиғиб, ўша аҳд шартларини уларга қуйидагича тушунтирди:

Эгамиз Мисрда фиръавнни, унинг аъёнларини, бутун юртини кўз олдингизда
нималар қилганини кўрдингизлар. 3 Оғир синовларнинг, даҳшатли аломату
мўъжизаларнинг гувоҳи бўлдингизлар. 4 Лекин шу пайтгача Эгамиз сизларга
англайдиган онг, кўрадиган кўз, эшитадиган қулоқ бермади. 5 У сизларни қирқ
йил саҳрода олиб юрди. Шу даврда кийимингиз эскирмади, оёғингиздаги
чориғингиз тўзимади. 6 Нон емадингиз, шароб, ўткир ичимлик ичмадингиз.
Буларнинг ҳаммасини У Эгангиз Худо эканлигини билишингиз учун қилди. 7 Мана
шу ерга келганимизда Хашбон шоҳи Сихўн билан Башан шоҳи Ўг бизга ҳужум
қилишди. Биз жанг қилиб уларни енгдик. 8 Уларнинг ерини тортиб олиб, Рубен ва
Гад қабиласига ҳамда Манаше қабиласининг ярмига* мулк қилиб бердик.
9 Шундай экан, қиладиган ишларингиз ўнгидан келиши учун мана шу аҳд
шартларини битта қолдирмай бажаринглар.
10-11 Бугун ҳаммангиз — қабила бошлиқлари, оқсоқоллар, назоратчилар, барча
Исроил эркаклари, болалар, хотинлар, орангиздаги мусофирлар, ўтин ёрувчидан
тортиб, сув тортувчиларгача Эгангиз Худо олдида турибсизлар. 12 Бугун Эгангиз
Худо билан аҳд қиласизлар. Бу аҳдни Эгангиз Худо Ўз қасами билан муҳрлайди,
13 токи бугундан бошлаб сизлар Унинг халқи, У эса сизнинг Худойингиз бўлсин. У
бундай қилишини сизларга ва ота–боболарингиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубга қасам

ичиб ваъда қилган эди. 14-15 Мана, бугун сизлар биз билан бирга Эгамиз Худонинг
ҳузурида турибсизлар. Бу аҳд ва қасамёдни Худо нафақат биз билан, балки ҳали
дунёга келмаган авлодларимиз билан қиляпти.
16 Мисрда қандай турмуш кечирганимизни, бошқа халқларнинг ҳудудидан
қандай қилиб ўтиб келганимизни сизлар биласизлар. 17 Уларнинг тошдан,
ёғочдан, кумушдан ва олтиндан ясалган жирканч бутларини кўрдингизлар.
18 Эҳтиёт бўлинг, ораларингизда Эгамиз Худодан юраги совиган, ўша халқларнинг
худоларига хизмат қиладиган эркак, аёл, насл ёки қабила бўлмасин.
Ораларингизда заҳарли, аччиқ илдиз ўсмасин. 19 Борди–ю, орангиздаги бирор
одам бу аҳд шартларини эшитиб, кўнглида: “Ўзим хоҳлаган ишни қилсам ҳам,
менга ҳеч нарса қилмайди”, деб ўйласа, у ҳамманинг бошига бирдай кулфат
келтиради*. 20 Эгамиз бундай одамдан қаттиқ ғазабланади, уни кечирмайди. Мана
шу китобда ёзилган аҳднинг лаънатлари унинг бошига келади, Эгамиз унинг
номини ер юзидан ўчиради. 21 Эгамиз уни Исроил қабилалари орасидан ажратиб
олади–да, мана шу китобда ёзилган аҳднинг барча лаънатларини унинг устига
ёғдиради. 22 Сизлардан кейинги авлод, сизларнинг фарзандларингиз, узоқ юртдан
келган мусофирлар Эгамиз шу юртга келтирган офатлар ва хасталикларни
кўради. 23 Бутун юртни олтингугурт ва туз куйдириб ташлаган бўлади. У ерга ҳеч
нима экиб бўлмайди, ҳеч нарса унмайди, ҳеч қандай ўт ўсмайди. Юртингиз
Эгамиз ғазаб устида йўқ қилган Садўм, Ғамўра, Адма ва Завўйим шаҳарларига*
ўхшаб қолади. 24 Барча халқлар шундай дейди: “Нима учун бу халқнинг Эгаси бу
юртни шундай аҳволга солди экан–а? Бундай ғазаб сочишнинг сабаби нима
экан–а?” 25 Кейин улар шундай айтишади: “Эҳ–ҳа, бу халқ ота–боболарининг
Худоси билан қилган аҳдидан кечди. Эгаси уларни Мисрдан олиб чиққанда улар
билан бу аҳдни тузган эди. 26 Улар Ўз Эгасидан юз ўгириб, бегона худоларга
хизмат қилишди. Бундай қилишни Эгаси уларга қатъиян ман этса–да, улар ҳеч
фойдаси тегмайдиган бу сохта худоларга сажда этишди. 27 Шу сабабдан Эгаси
ғазабини сочди. Мана шу китобда ёзилган лаънатларнинг ҳаммасини бу юртга
ёғдирди. 28 У қаттиқ жаҳл билан, кучли қаҳр–ғазаб билан халқини ўз юртидан
суғуриб олиб, бошқа юртга улоқтириб юборди. Улар бугунгача ўша
юртлардадир.”
29 Сирлар Эгамиз Худога тегишлидир. Аммо У қонунни бизга аён қилди, токи
биз фарзандларимиз билан бу қонун шартларига то абад амал қилайлик.

30–БОБ

Марҳамат ва лаънат сабаблари

1 Мен сизларга айтган мана шу баракалар ёки лаънатлар бошингизга келганда,
Эгангиз Худо сизларни тарқатиб юборган халқлар орасида буларни эсга
олинглар. 2 Ўзларингиз ва фарзандларингиз Эгангиз Худога қайтинглар. Мен
бугун сизларга амр қилаётгандай, бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан
Унга қулоқ солинглар. 3 Шунда Эгангиз Худо сизларни яна фаровонликка
эриштиради. Сизларга раҳм–шафқат қилиб, Ўзи тарқатиб юборган барча халқлар
орасидан қайтариб йиғиб келади. 4 Ер юзининг тўрт тарафига тарқалиб кетган
бўлсангиз ҳам, Эгангиз Худо сизларни ўша ерлардан йиғиб олади, ўша юртлардан
қайтариб олиб келади. 5 Эгангиз Худо сизларни ота–боболарингиз эгалик қилган
юртга олиб келади. Ўша юртга эгалик қилганларингизда, Эгамиз сизларни
бахтиёр қилади. Сизларни ота–боболарингиздан ҳам кўпроқ қилиб кўпайтиради.
6 Эгангиз Худо сизларнинг юрагингизни, авлодларингизнинг юрагини суннат

қилади*. Шунда сиз Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан севасиз, ҳаётга эга бўласиз. 7 Эгангиз Худо барча лаънатларни сиздан нафратланган, сизни қувган душманларингиз бошига ёғдиради. 8 Сизлар яна Эгамизга қулоқ соласизлар. Мен бугун сизларга бераётган Унинг амрларига риоя қиласизлар. 9 Қиладиган ҳар бир ишингизни Эгангиз Худо муваффақиятли қилади. Ували–жували бўласизлар, молингиз кўпаяди, ерингиз ҳосили баракали бўлади. Эгангиз ота–боболарингизга берган фаровонликдан қанчалик мамнун бўлган бўлса, сизларга берадиган фаровонликдан ҳам шунчалик мамнун бўлади. 10 Шунинг учун Эгангиз Худога итоат этинг. Бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан мана шу китобда ёзилган амр ва фармонларга риоя қилиб, Эгангизга қайтинг.

11 Мен бугун буюраётган амр сизлар учун унчалик қийин эмас, ёки сизлар етиб бора олмайдиган даражада узоқда эмас. 12 У осмонда эмаски, сизлар: “Ким биз учун осмонга чиқиб, амрни олиб беради, токи биз эшитиб, бажарсак?” десангизлар. 13 У денгизнинг нариги томонида эмаски, сизлар: “Ким биз учун денгизнинг нариги томонига бориб, у амрни олиб келади, токи биз эшитиб, бажарсак?” — десангизлар. 14 Аксинча! Бу амр сизнинг яқинингиздадир, оғзингизда, юрагингиздадир, шунинг учун уни бажара оласизлар.

15 Бугун мен сизларга ҳаёт билан фаровонликни ёки ўлим билан кулфатни танлаш имкониятини беряпман. 16 Мен бугун сизларга: “Эгангиз Худони севинг, Унинг йўлидан юринг, Унинг амрларига, фармонларига, қонун–қоидаларига риоя қилинг”, деб буюряпман. Шунда сизлар яшайсизлар, кўпаясизлар, мулк қилиб оладиган юртингизда Эгангиз Худо сизларга барака беради. 17 Лекин сизларга шуни айтиб қўяйки, агар юрагингизни Худодан ўгирсангиз, қулоқ солмасангиз, йўлдан озиб, бошқа худоларга сиғинсангиз, уларга хизмат қилсангиз, 18 сизлар албатта йўқ бўласизлар. Иорданни кечиб, мулк қилиб оладиган юртда кўп яшамайсизлар. 19 Бугун мен сизларга ҳаётни ёки ўлимни, баракаларни ёки лаънатларни танлаш имкониятини бердим. Бунга еру осмонни гувоҳ қилиб чақирдим. Ҳаётни танланг, шунда ўзларингиз ҳам, авлодларингиз ҳам яшайсизлар. 20 Эгангиз Худони севинг, Унга қулоқ солинг. Унга содиқ бўлинг, чунки У сизнинг ҳаётингиздир. Эгамиз ота–боболарингиз Иброҳим, Исҳоқ, Ёқубга қасам ичиб бераман деган юртда сизнинг умрингизни узоқ қилади.

31–БОБ

Ёшуа — Мусонинг давомчиси

1 Мусо бутун Исроил халқига юқоридаги сўзларни айтиб бўлгандан кейин, 2 шундай деди*:

— Ҳозир 120 ёшдаман, мен сизларни жангларга бошлаб бора олмайман. Эгамиз менга: “Сен Иорданнинг нариги томонига ўтмайсан”, деб айтган. 3 Сизлар Эгангиз Худонинг бошчилигида Иорданнинг нариги томонига ўтасизлар. Эгангиз у ерда яшайдиган халқларни йўқ қилади. Сизлар уларнинг юртига эгалик қиласизлар. Эгамизнинг ваъдасига кўра, Ёшуа сизларнинг йўлбошчингиз бўлади. 4 Эгамиз Амор халқининг шоҳлари Ўг билан Сихўнни мағлуб қилиб, уларнинг юртини йўқ қилгандай, бу халқларни ҳам худди шундай йўқ қилади. 5 Эгамиз бу халқларни сизларнинг қўлингизга топширади. Уларни худди мен буюрганимдай қилишингиз шарт. 6 Дадил ва ботир бўлинглар, улардан қўрқманглар, ваҳимага тушманглар. Эгангиз Худонинг Ўзи сизлар билан бирга боради, сизларни ташлаб кетмайди, сизларни тарк этмайди.

7 Мусо Ёшуани чақириб, бутун Исроил халқи олдида унга шундай деди:
— Дадил ва ботир бўл. Эгамиз, бу юртни ота–боболарингизга,
авлодларингизга бераман, деб қасам ичиб ваъда қилган. Бу халқ билан ўша юртга
сен кирасан. Сен орқали улар ўша юртни мулк қилиб олишади*. 8 Эгамизнинг Ўзи
сенинг олдингда боради, Унинг Ўзи сен билан бирга бўлади, сени ташлаб
кетмайди, тарк этмайди. Қўрқма, ваҳимага тушма.

Ҳар етти йилда қонун ўқилади

9 Мусо мана шу қонунни ёзиб, уни Эгамизнинг Аҳд сандиғини олиб юрадиган
Леви авлодидан бўлган руҳонийларга ва Исроилнинг ҳамма оқсоқолларига берди.
10 Сўнгра Мусо уларга шундай амр қилди:
— Ҳар еттинчи йилнинг охирида, қарзларингиздан кечиш йили Чайла
байрамини нишонлаганингизда* мана шу қонунни ўқинглар. 11 Эгангиз Худонинг
танлаган жойига, Унинг ҳузурига йиғиладиган жамики Исроил халқига бу
қонунни баланд овоз билан ўқиб беринглар. 12 Бунинг учун эркагу аёлни,
бола–чақани, шаҳрингиздаги мусофирларни, боринги, бутун халқни йиғинглар.
Улар эшитиб ўрганишсин, Эгангиз Худодан қўрқишсин. Мана шу қонуннинг барча
сўзларини битта қолдирмай бажаришсин. 13 Сизлар Иорданни кечиб, мулк қилиб
оладиган юртда яшар экансиз, умрингиз давомида шундай қилинглар. Токи
қонунни билмайдиган болаларингиз қонунни эшитиб, Эгангиз Худодан
қўрқишни ўрганишсин.

Мусога берилган охирги йўл–йўриқлар

14 Эгамиз Мусога деди:
— Ўлиминг яқинлашиб қолди, Ёшуани чақир, икковингиз Учрашув чодирига
келинглар. Мен унга кўрсатмаларимни бераман.
Мусо билан Ёшуа Учрашув чодирига бориб туришди. 15 Кейин Эгамиз
чодирнинг кириш жойида, устун шаклидаги булут ичида кўринди. 16 Эгамиз
Мусога айтди: “Сенинг вақти–соатинг яқинлашиб қолди. Бу халқ эса борадиган
юртда Менга бевафолик қилади, ўша юртнинг бегона худоларига сажда қилади.
Улар Мени тарк этадилар, улар билан қилган аҳдимни бузадилар. 17 Шунда уларга
ғазабимни сочаман, уларни тарк этиб, юзимни ўгираман. Улар осон олинадиган
ўлжадай бўлиб қолишади, кўп кулфат ва офатлар бошларига келган куни:
«Худойимиз орамизда бўлмагани учун шу кулфатлар бошимизга
тушмадимикин?!» дейишади. 18 Улар бошқа худоларга эргашиб, қилган
қабиҳликлари учун, Мен албатта улардан юзимни ўгираман.
19 Энди қуйидаги қўшиқ сўзларини ёзиб ол. Уни бутун Исроил халқига ўргат.
Бу қўшиқ доимо уларнинг оғзида бўлсин, Исроил халқига қарши Менинг гувоҳим
бўлсин. 20 Мен уларни, ота–боболарига қасам ичиб ваъда берганимдай, сут ва асал
оқиб ётган юртга* олиб кираман. Улар еб тўйиб семирадилар, кейин бошқа
худоларга юз бурадилар, ўша худоларга хизмат қиладилар. Мендан юз ўгириб,
аҳдимни бузадилар. 21 Бошларига кўп кулфат ва офатлар келганда, бу қўшиқ
уларга қарши гувоҳ бўлади. Чунки уларнинг авлодлари бу қўшиқни оғзиларидан
туширмайди. Мен қасам ичиб, ваъда берган юртга уларни олиб кирмасимдан
олдин, ҳозирданоқ ниятларини билиб турибман.”
22 Мусо ўша куни қўшиқни ёзиб, Исроил халқига ўргатди*.
23 Эгамиз Нун ўғли Ёшуага шундай амр қилди:
— Дадил ва ботир бўл. Сен Исроил халқини Мен уларга ваъда қилган юртга
олиб кирасан. Мен сен билан бирга бўламан.
24 Мусо қонунларнинг ҳамма сўзларини охиригача ёзиб бўлгач, 25 Эгамизнинг

Аҳд сандиғини олиб юрадиган левиларга шундай буйруқ берди:
26 — Бу қонунларни Эгангиз Худонинг Аҳд сандиғи ёнига қўйинглар, ўша ерда
сизларга қарши гувоҳ бўлиб турсин. 27 Мен сизларнинг итоатсизлигингизни,
ўжарлигингизни яхши биламан. Борлигимда Эгамизга бўйсунмайсизлар–у, мен
ўлганимдан кейин баттар бўласизлар! 28 Қани, барча қабила оқсоқолларингизни
ва назоратчиларингизни олдимга йиғиб келинглар. Мен уларга шу сўзларни
айтайин. Ер ва осмон уларга қарши гувоҳ бўлсин. 29 Ўлимимдан кейин сизлар
бузилиб кетишингизни, мен кўрсатган йўлдан чиқиб кетишингизни биламан.
Бошингизга кулфатлар тушади, чунки Эгамизнинг олдида қабиҳликлар
қиласизлар. Қилган ишларингиз билан Уни ғазаблантирасизлар.

Мусонинг қўшиғи

30 Мусо жамики Исроил жамоаси олдида қуйидаги қўшиқни бошдан охиргача
айтди:

32–БОБ

1 Эй само, қулоқ сол, мен гапираман.
Эй замин, оғзимдан чиққан сўзларни эшит.
2 Таълимотим ёмғир каби ёғсин,
Сўзларим шудринг каби тушсин,
Майсаларни сийпалайдиган ёмғир томчиларидай,
Ўтлар устига ёғадиган мўл ёмғирдай бўлсин.
3 Эгамизнинг номини улуғлайман!
Худойимизнинг буюклигига ҳамдлар ўқинг!
4 У суянган Қоям, Унинг ишлари комил,
Ҳамма йўллари адолатлидир.
Худо садоқатлидир, Унда ёлғон йўқ,
У ҳақ ва одилдир.

5 Аммо сизлар Унга содиқ қолмадингиз!
Эй бузуқ ва эгри насл,
Энди сизлар Унинг фарзандлари деб аталмайсиз,
Бу сизларнинг иснодингиздир.
6 Эгамизга шундай қайтарасизми,
Эй аҳмоқ, нодон халқ?!
У сизларни яратган Отангиз–ку!
Сизга шакл берган Яратувчингиз–ку!
7 Қадимги кунларни эсланг,
Узоқ ўтмишни ўйланг.
Отангиздан сўранг, у сизларга айтиб беради,
Оқсоқоллардан сўранг, сизларга гапириб беришади.
8 Худойи Таоло халқларга ерни бўлиб берганда,
Одамзодни ер юзига тарқатганда,
Халқларнинг чегараларини,
Илоҳий зотлар* сонига кўра, белгилаганди.
9 Ёқуб наслини эса Эгамиз Ўзига улуш қилиб олди,
Исроилни Ўз насибаси қилди.

10 Эгамиз Исроилни саҳродан,
Увиллайдиган даштдан топиб олди.

Уни Ўз бағрига олди,
Унга ғамхўрлик қилиб,
Кўз қорачиғидай сақлади.
11 Гўё бургут инидагиларни уйғотиб,
Ўз полапонлари узра айлангандай,
Қанотларини ёйиб, полапонларини кўтаргандай,
Қанотлари устида уларни олиб юргандай,
12 Эгамизнинг ёлғиз Ўзи Исроилни олиб юрди,
Ёнида бошқа худо йўқ эди.
13 Ернинг чўққиларига Исроилни ҳукмдор қилди,
Даланинг ҳосили билан уни тўйдирди.
Тошдан чиққан асал билан,
Тошлоқ ерда ўсган зайтунларнинг мойи билан боқди.
14 Сигир қатиғию эчки сути билан,
Қўзичоқ ва қўй думбаси билан,
Башан қўчқорию бузоқлари гўшти,
Аъло буғдой билан боқди.
Узумдан қилинган аъло шаробдан ичирди.
15 Азизим Исроил* семириб, ўжар бўлди.
У семириб, шишиб кетди, охири бўкиб қолди.
Ўзини яратган Худодан юз ўгириб,
Ўз нажот Қоясини хор қилди.
16 Бошқа худоларга сажда қилиб, Унинг рашкини келтирди.
Жирканчли бутлар билан Унинг ғазабини қўзғатди.
17 Худога эмас, жинларга қурбонлик келтирди.
Бу худоларни ўзлари билмас эди,
Бу худолар яқинда пайдо бўлган,
Ота–боболари улардан қўрқмаган эди.
18 Эвоҳ, эй Исроил, сени туққан Худони эсламадинг,
Сени дунёга келтирган Қояни унутдинг.

19 Эгамиз буларни кўриб, уларни рад этди,
Ўз ўғил–қизлари Унинг ғазабини келтирганди.
20 У шундай деди: “Бу халқдан юзимни ўгираман,
Уларнинг аҳволи нима бўлишини кўраман.
Ахир, улар эгри насл, садоқатсиз фарзандлардир.
21 Улар Худо бўлмаган бутлар билан рашкимни келтирдилар,
Бетайин худолари билан ғазабимни қўзғатдилар.
Мен ҳам халқ бўлмаганлар билан уларнинг рашкини келтираман,
Ақлсиз бир халқ билан ғазабини қўзғатаман.
22 Менинг ғазабимдан олов чиқади,
Ўликлар диёрининг* энг чуқур жойигача ёндиради,
Ерни, ҳосилини куйдиради,
Тоғ пойдеворини кул қилади.
23 Уларга кулфат кетидан кулфат келтираман,
Ўқларимни битта қўймай уларга отаман:
24 Очлик уларнинг силласини қуритади,
Иситма ёндириб куйдиради,
Офат жонларини олади.

Ёввойи ҳайвонлар уларни тилка–пора қилади,
Ерда судраладиган илонлар заҳрини сочади.
25 Кўчаларда йигиту қизларни қилич ҳалок қилади,
Уйларда эса чақалоғу оқ сочли кексаларни ваҳима ўлдиради.
26 Ҳа, Мен уларни сочиб ташлаган бўлардим,
Одамлар орасидан уларнинг хотирасини ўчириб юборган бўлардим,
27 Аммо душманнинг мазахидан ҳайиқдим,
Ғанимлар нотўғри тушунмасин, дедим.
«Исроилни Эгаси эмас, биз мағлуб қилдик», деб
Ўйламасин дедим.”

28 Исроил ақлини йўқотган, идроксиз халқдир.
29 Агар уларда ақл бўлса эди, тушунарди,
Оқибати нима бўлишини биларди.
30 Ана, Эгаси Исроилни тарк этди,
Суянган Қояси уларни душманга бериб қўйди.
Акс ҳолда, бир киши Исроилнинг мингтасини таъқиб қила олармиди?!
Икки киши Исроилнинг ўн мингтасини ҳайдай олармиди?!
31 Ҳатто душманлари тан олади,
Исроил халқининг Худоси
Қудратли Қоя эканлигини.

32 Исроилнинг душманлари узум токига ўхшар,
Садўм ва Ғамўра* далаларида ўсар,
Узумзорларининг меваси заҳарли,
Узумлари оғу сингари аччиқдир.
33 Уларнинг шароби аждарҳо заҳри,
Илонларнинг қўрқинчли оғусидир.
34 Эгамиз шундай дейди:
“Мен Исроил душманларини
Нималар қилишни дилимда тутаман,
Ўшаларни хазинамда сақлайман.
35 Уларнинг оёқлари чалишганда
Мен Ўзим қасос ва ўч оламан.
Уларнинг ҳалокат куни яқиндир,
Уларнинг қисмати ҳал бўлади.”

36 Эгамизнинг халқи кучдан қолганда,
Эркину эрксизлар нобуд бўлганда,
Эгамиз Ўз халқини оқлайди,
Ўз қулларига раҳм–шафқат қилади.
37 Шунда Эгамиз Ўз халқидан сўрайди:
“Ишонган худоларингиз қани?!
Сиз паноҳ олган қоянгиз қани?!
38 Сизлар ўшаларга қурбонлик ёғидан едирдингиз,
Назр шаробидан ичирдингиз.
Энди улар келиб, сизларга ёрдам берсин!
Ўшалар сизга қалқон бўлиб кўрсин!

39 Билиб қўйинг, Мен ягонаман!

Мендан бошқа Худо йўқдир.
Ўлдирадиган Менман,
Ҳаёт берадиган ҳам Менман,
Жароҳат етказадиган Менман,
Шифо берадиган ҳам Менман.
Менинг қўлимдан ҳеч ким қутула олмайди.
40 Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи,
Қўлимни осмонга кўтариб, онт ичиб айтаманки,
41 Мен ялтироқ қиличимни чархлайман,
Адолат ўрната бошлайман.
Душманларимдан қасос оламан,
Мендан нафратланганларга қайтараман.
42 Ҳалок бўлганлар ва асирларнинг қони билан
Ўқларимни маст қиламан,
Ёв лашкарбошиларининг каллалари билан
Қиличимни этга тўйдираман.”

43 Эй эллар, Унинг халқи билан бирга шодланинг,
У қулларининг ўлими учун ўч олади.
Душманларидан қасос олиб,
Юрти ва халқини гуноҳдан поклайди.

44 Мусо Нун ўғли Ёшуа* билан бирга бу қўшиқнинг барча сўзларини овоз чиқариб, халққа айтиб берди.

Мусонинг охирги кўрсатмалари

45 Мусо мана шу сўзларнинг ҳаммасини бутун Исроил халқига айтиб бергандан кейин, 46 уларга шундай деди:

— Бугун мен сизларни огоҳлантириб, айтган сўзларнинг ҳаммасини юрагингизда сақланг. Болаларингизга ҳам буюринг, мана шу қонуннинг сўзларини битта қолдирмай бажаришсин. 47 Бу шунчаки қуруқ сўзлар эмас, балки сизларнинг ҳаётингиздир. Мана шу сўзлар туфайли сизлар мулк қилиб оладиган Иорданнинг нариги томонидаги юртда узоқ яшайсизлар.

48 Эгамиз ўша куни Мусога шундай деди:

49 — Аборим тизмасидаги Наво тоғига чиқ. Бу тоғ Ерихо шаҳри рўпарасидаги Мўаб юртида жойлашган. У ердан Мен Исроил халқига мулк қилиб бераётган Канъон юртига қара. 50 Аканг Ҳорун Ҳўр тоғида оламдан ўтгандай, сен ҳам ўзинг чиқадиган тоғда оламдан ўтасан. 51 Икковингиз Исроил халқининг олдида Менга садоқатсизлик қилган эдингиз. Сизлар Зин чўлида, Марива сувлари бўйидаги Кадеш ёнида Исроил халқига муқаддаслигимни намоён қилмаган эдингиз*.
52 Шунинг учун сен ўша юртни узоқдан кўрасан. Мен Исроил халқига бераётган ўша ерга сен кирмайсан.

33–БОБ

Мусо Исроил қабилаларини дуо қилади

1 Худонинг одами Мусо ўлимидан олдин Исроил халқини қуйидаги сўзлар билан дуо қилди:

2 “Эгамиз Синай тоғидан Ўз халқига келди,
Сеир юрти узра қуёшдай порлади,

Порон* қирларидан нур сочди.
Ўн мингларча фаришта У билан келди*,
Ўнг қўлида оташин олов* бор эди.
3 Дарҳақиқат, Эгамиз Ўз халқини* севади,
Унга бағишланган одамларни ҳимоя қилади.
Улар Эгамизга таъзим қиладилар,
Ундан кўрсатмалар оладилар.
4 Мусо Исроил халқига берган ушбу қонун
Ёқуб наслининг бебаҳо мулкидир.
5 Исроил қабилалари йиғилганда,
Халқ йўлбошчилари тўпланганда,
Эгамиз азиз Исроилга* шоҳ бўлди.”

6 Мусо Рубен қабиласи ҳақида шундай деди:

“Рубен қабиласи яшасин, ўлмасин,
Сони кам бўлса–да, омон бўлсин*.”

7 Яҳудо қабиласи ҳақида шундай деди:

“Эй Эгам, Яҳудонинг овозини эшитгин,
Уни бошқа қабилалар билан бирлаштиргин.
У ўз қўллари билан ўзини ҳимоя қилмоқда,
Душманларига қарши унга мадад бергин.”

8 Леви қабиласи ҳақида шундай деди:

“Эй Эгам, Сен Урим билан Туммимни*
Тақводор Левига бердинг.
Уни Массахда синаб кўрдинг,
У билан Марива сувлари бўйида* беллашдинг.
9 У ота–онасидан, ака–укасидан,
Бола–чақасидан Сени устун кўрди*.
Сенинг амрларингни бажарди,
Аҳдингга содиқ қолди.
10 Ёқуб наслига қоидаларингни,
Исроил халқига қонунингни ўргатади,
Ҳузурингда тутатқилар тутатиб,
Қурбонгоҳингда қурбонликлар куйдиради.
11 Эй Эгам, унинг давлатига барака бергин,
Қилган ишларидан мамнун бўлгин.
Ёвларининг белини синдиргин,
Ундан нафратланганлар қайтиб туролмасин.”

12 Бенямин қабиласи ҳақида у шундай деди:

“Эгамизнинг суюклиги бехатар яшайди,
Худойи Таоло доим уни асрайди*,
У Худонинг қучоғида ором олади.”

13 Юсуф қабиласи ҳақида шундай деди:

“Эгамиз унинг ерига барака берсин.
Осмон ёмғири, ер ости суви билан баракаласин.
14 Қуёшга тўйган аъло ҳосиллар берсин,
Ўз мавсумида мўл мевалар етиштирсин.
15 Қадимий тоғларнинг асил унумини,
Кўҳна адирларнинг сероб баракасини берсин.
16 Ернинг аъло инъомлари Юсуфга насиб этсин,
Ёнган бута орасида зоҳир бўлган
Худо* уни Ўз мурувватига муяссар қилсин,
Ака–укалари орасидан танланган Юсуфга булар буюрсин.
17 Биринчи туғилган буқадай қудратлидир у!
Унинг шохлари ёввойи буқанинг шохларидайдир.
Бир шохи Эфрайимнинг туман лашкаридир,
Бошқа шохи Манашенинг минглаб жангчиларидир.
Бу шохлари билан Юсуф халқларни қувади,
Ер юзининг четигача уларни ҳайдаб боради.”

18 Забулун ва Иссахор қабиласи ҳақида шундай деди:

“Забулун сафарга чиққанда хурсанд бўлсин,
Иссахор эса чодирларида шодлансин.
19 Улар бутун халқни тоққа чақиради,
У ерда маъқул қурбонликлар келтиради,
Денгизнинг бойлиги билан,
Қумдаги хазина билан озиқланади.”

20 Гад қабиласи ҳақида шундай деди:

“Гаднинг ерини кенгайтирган Худони олқишланг!
Гад бир арслон каби яшайди,
Қурбонининг қўлу бошини узиб ташлайди.
21 У ўзи учун ернинг аълосини олди,
Йўлбошчининг улуши унга берилди.
Халқнинг йўлбошчилари йиғилганда
Гад Эгамизнинг одил иродасини бажарди,
Эгамизнинг Исроил учун чиқарган қарорини адо этди*.”

22 Дан қабиласи ҳақида шундай деди:

“Дан ёш шерга ўхшар,
У Башандан сакраб чиқар.”

23 Нафтали қабиласи ҳақида шундай деди:

“Эгамизнинг муруввати Нафталига ёр!
Баракаси уни тўлдирди бисёр!
Ғарбу жанубга у эгалик қилар.”

24 Ошер қабиласи ҳақида шундай деди:

“Ўғиллар орасида Ошер энг кўп барака топди,
Ака–укалари уни афзал кўрсин,

Оёғи зайтун мойида бўлсин.
25 Тамбалари темиру бронзадан бўлсин,
Умри қанча узоқ бўлса, кучи шунча кўп бўлсин.”

Мусо Исроил халқига шундай деди:

26 “Эй азизим Исроил, Худойингга ўхшагани йўқ,
У салобат билан булутларни эгарлайди,
Сенга ёрдам бергани осмондан учиб келади,
27 Қадимдан бор бўлган Худо сенинг паноҳингдир,
Унинг абадий қўллари сени тутиб туради.
У душманларингни олдингдан ҳайдайди,
Сенга: «Уларни қириб ташла!» деб айтади.
28 Эй Исроил, хавф–хатарсиз яшайсан,
Ёқуб насли, осойишта бўласан.
Сенинг еринг дон ва шаробга бойдир,
Юртингга осмондан шудринг тушади.
29 Эй Исроил, сен бахтлисан!
Ким сенга ўхшар?!
Сен Эгамиз қутқарган халқсан.
Сени асрайдиган қалқонинг,
Шонли қиличинг Эгамиздир.
Олдингда душманларинг титраб тиз чўкади,
Сен эса уларнинг белини эзасан.”

34–БОБ

Мусонинг ўлими

1 Мусо Мўаб текислигидан Наво тоғининг чўққисига чиқди*. Наво тоғи Ерихо шаҳрининг шарқида жойлашган Фисгах тоғ тизмасининг* энг баланд жойи эди. У ердан Мусога Эгамиз бутун ўлкани кўрсатди: шимолдаги Дан шаҳригача чўзилган бутун Гилад ўлкасини*, 2 ҳамма Нафтали ерларини, Эфрайим ва Манаше ерларини, Ўрта ер денгизигача чўзилган бутун Яҳудо ерларини, 3 Нагав чўли* ва текисликни. Бу текислик Зўвар шаҳридан* то пальмалар шаҳри бўлмиш Ерихогача чўзилган эди. 4 Эгамиз Мусога деди:

— Мен Иброҳим, Исҳоқ, Ёқубга, сенинг авлодингга бераман, деб қасам ичиб айтган юрт мана шудир. Мана, бу юртни ўз кўзинг билан кўрдинг, лекин у юртга кирмайсан.

5 Эгамиз айтганидай, Унинг қули Мусо ўша ерда, Мўаб юртида вафот этди. 6 Эгамиз уни Мўабда, Байт–Пиёр шаҳрининг яқинидаги бир водийда дафн қилди. Мусо дафн қилинган жойни ҳозиргача ҳеч ким билмайди. 7 Мусо вафот этганда 120 ёшда эди. Лекин кўзларининг нури ҳали сўнмаган эди, ғайрати йўқолмаган эди. 8 Исроил халқи Мўаб текислигида Мусо учун ўттиз кун аза тутди. Мусо учун аза кунлари тамом бўлди.

9 Мусо ўлимидан олдин Ёшуага қўл қўйиб, уни йўлбошчи қилиб тайинлаган эди. Нун ўғли Ёшуани Худо донолик руҳи билан тўлдирди. Исроил халқи Ёшуага бўйсунди, Эгамиз Мусога буюрганларнинг ҳаммасини улар қилди.

10 Исроилда Мусога ўхшаган пайғамбар бошқа чиқмади. Эгамиз Мусо билан юзма–юз гаплашар эди. 11 Эгамиз уни Миср юртида фиръавнга, унинг аъёнлари ва бутун халқига аломату мўъжизалар кўрсатиш учун юборган эди. 12 Мусо бутун

Исроил халқи олдида буюк қудрату ҳайбатли ишларни намоён қилганди.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Иордан дарёсининг шарқ томонидаги чўлда* — ибронийча матнда *Иордан дарёсининг шарқ томонидаги чўлда, яъни Арабада*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсининг бир қисмига, айнан Ўлик денгизнинг шимолидаги ерларга нисбатан ишлатилган.

1:1 *…Суф…Порон…Тофал, Лобон, Хазерўт ва Дизахаб…* — бу жойларнинг қаерда жойлашгани аниқ маълум эмас.

1:2 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи (шу бобнинг 6, 19–оятларида ҳам бор).

1:2 *…Сеир тоғлари бўйлаб…* — Эдом юртининг ғарб томонидан ўтган йўлга ишора.

1:2 *…ўн бир кунлик йўлдир* — Исроил халқи Худога қарши бош кўтаргани учун, Кадеш–Барнадан Канъон юртига ўн бир кунда эмас, балки қирқ йилдан кейин кирди (шу бобнинг 3-40–оятларига қаранг).

1:3 *ўн биринчи ой* — иброний календарининг Шебат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан январнинг ўртасидан бошланади.

1:7 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

1:7 *Нагав чўли* — ҳозирги Исроилнинг жанубида, Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган ерлар.

1:24 *Эшкўл* — ибронийчадаги маъноси *бир бош узум*.

1:28 *Оноқ авлоди* — Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқ (2:10-11, 20-21, 9:1-2 ва Саҳрода 13:33-34 га қаранг)

1:33 *…кечаси устун шаклидаги аланга ичида, кундузи эса устун шаклидаги булут ичида борарди* — Чиқиш 40:34-38, Саҳрода 9:15-23 га қаранг.

1:37 *Сизларни деб Эгамиз мендан ғазабланиб…* — Саҳрода 20:2-13, 27:12-14 га қаранг.

1:40 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади.

1:44 *Сеир* — Эдом юртига қарашли бўлган тоғли ерлар.

2:1 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. 1:40 изоҳига қаранг.

2:1 *Сеир тоғлари* — 1:44 изоҳига қаранг.

2:4 *Сеир юртида яшайдиган биродарларингиз* — Эдом юртининг яна бир номи Сеир эди. Исроил халқи Ёқубдан, Эдом халқи эса Ёқубнинг акаси Эсовдан келиб чиққан эди.

2:8 *Элет ва Эзйўн–Гебер* — Синай ярим оролининг шарқида, Қизил денгизнинг шимолий қирғоғидаги бандаргоҳ шаҳарлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

2:8 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

2:9 *Ор* — Мўаб юртининг асосий шаҳарларидан бири бўлиб, бу ўринда Мўабнинг ҳамма ерларига нисбатан ишлатилган (Саҳрода 21:28 га қаранг).

2:9 *Лут авлоди* — яъни Мўаб халқи. Уларнинг ота–бобоси Мўаб Лутнинг ўғилларидан бири эди (Ибтидо 19:36-38 га қаранг). Лут Иброҳимнинг жияни эди.

2:11 *Эйим халқи ва Оноқ авлодлари…Рафа халқи…* — Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқлар (1:28, 2:20-21, 3:11, 9:1-2, Саҳрода 13:33-34 га қаранг).

2:12 *Эсов авлоди* — яъни Эдом халқи (2:4 изоҳига қаранг).

2:13 *Зарад сойлиги* — бу сойлик Ўлик денгизга жануби–шарқ томондан қуйилиб, Эдом юртининг шимолий чегарасини ва Мўаб юртининг жанубий чегарасини белгилар эди.

2:19 *Лут авлоди* — яъни Оммон халқи. Уларнинг ота–бобоси Баномми Лутнинг ўғилларидан бири эди (Ибтидо 19:36-38 га қаранг). Лут Иброҳимнинг жияни эди.

2:23 *Хафтўрдан келган Хафтўр халқи* — Крит оролидан келиб чиққан Филист халқининг аждодларига ишора бўлиши мумкин (Эски Аҳдда Крит ороли Хафтўр деб аталган).

2:24 *Арнон сойлиги* — Мўаб юртининг шимолий чегараси ва шоҳ Сихўнга тегишли ерларнинг жанубий чегараси. Арнондаги сой ғарб томонга оқиб, Ўлик денгизга қуйилади.

2:36 *сойлик* — икки адир оралиғидаги пастлик. Баъзи сойликлар водий каби кенг бўларди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

2:37 *Явоқ дарёси* — Оммон юртининг ғарбий чегарасини ташкил қилган дарёнинг бош қисмига ишора. Явоқ дарёси жанубдан шимолга қараб оқарди, сўнг ғарб томонга бурилиб, Иордан дарёсига қуйиларди.

3:8 *Арнон сойлиги* — 2:24 изоҳига қаранг.

3:8 *Хермон тоғи* — Жалила кўлидан қарийб 60 километр шимоли–шарқда жойлашган.

3:11 *Рафа халқи* — 2:11 изоҳига қаранг.

3:11 *Унинг ётадиган ўрни* — ёки *Унинг тобути*.

3:11 *темир* — ёки *тош*.

3:11 *…узунлиги тўққиз тирсак, кенглиги эса тўрт тирсак…* — узунлиги тахминан 4,1 метрга, кенглиги тахминан 1,8 метрга тўғри келади.

3:11 *Унинг ўрни ҳозир ҳам…* — яъни шу китоб ёзилган вақтда.

3:13 *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярми назарда тутилган (Ёшуа 13:8, 29-31 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган эди (Ёшуа 22:7 га қаранг).

3:14 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

3:14 *Ёвир қишлоқлари* — ибронийча матнда *Хавот–Ёвир*, маъноси *Ёвир шаҳарлари*.

3:16 *Явоқ дарёси* — Оммон юртининг ғарбий чегарасини ташкил қилган дарёнинг бош қисмига ишора. Явоқ дарёси жанубдан шимолга қараб оқарди, сўнг ғарб томонга бурилиб, Иордан дарёсига қуйиларди.

3:17 *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет*, ўша вақтда Жалила кўли ва унинг атрофидаги ерлар шу ном билан ҳам аталарди.

3:17 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Туз денгизи*.

3:26 *...Эгамиз сизлар туфайли мендан ғазабланган учун...* — Саҳрода 20:2-13, 27:12-14 га қаранг.

3:27 *Фисгах тоғ тизмасининг чўққиси* — Ўлик денгизнинг шимолий қирғоғидан қарийб 15 километр шарқда жойлашган. Фисгах деб, Мўаб текислигидан то ғарбдаги Аборим тоғларигача чўзилган тоғ тизмасига нисбатан айтилган бўлиши мумкин. Бу тизманинг энг баланд нуқтаси Наво тоғининг чўққиси эди (34:1 га қаранг).

4:3 *Эгамиз Пиёр тоғида нималар қилганини...* — Саҳрода 25:1-9 га қаранг.

4:10 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи (шу бобнинг 15–оятида ҳам бор).

4:21 *Эгамиз сизларнинг дастингиздан мендан ғазабланди...* — Саҳрода 20:2-13, 27:12-14 га қаранг.

4:24 *...У рашкчи Худодир* — Чиқиш 34:13-14 га қаранг.

4:42 *...ўша шаҳарлардан бирига қочиб бориб, жонини қутқариши мумкин* — 19:1-13 га қаранг.

4:48 *Сириён* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Сиён*. Унинг Сириён деган шакли 3:9 дан олинган.

4:49 *...Ўлик денгиз...Иордан водийси...* — ибронийча матнда *...Араба денгизи...Араба...*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Ўлик денгиз жойлашган чўлни ҳамда Ўлик денгизнинг шимолидаги Иордан водийсини билдиради.

5:2 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

5:9 *Ўша худолар ёки бутларга...* — ибронийча матнда *Уларга...*, шу бобнинг 7, 8–оятларида айтиб ўтилган худолар ва бутларга ишора.

5:10 *...минг–минг авлодларига...* — ёки *...мингинчи авлодига...* ёхуд *...мингларига...*.

5:11 *...исмини суиистеъмол қилманг* — бунга Худонинг номи билан бирор ишни қиламан, ҳақиқатни айтаман, деб қасам ичгандан кейин, ўша ваъдани бузиш, онтдан қайтиш ёхуд Худонинг номи билан лаънатлаш ёки Худо айтганимни қилсин, деб қилинган ҳар хил ишлар киради (мисол учун, Худонинг номи билан фол очиш ёки сеҳр–жоду қилиш).

6:3 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут — мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

6:4 *Эгамиз Худо танҳо Эгадир* — ёки *Эгамиз Худойимиздир, Эгамиз танҳодир* ёхуд *Эгамиз Худо, Эгамиз биттадир*.

6:9 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

6:16 *Массахда қилганингиздек...* — Чиқиш 17:1-7 ва Саҳрода 20:1-13 га қаранг.

7:5 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

7:20 *...тирик қолганларни У ваҳимага солиб, қувиб юборади* — ёки *...тирик қолганларни қувиш учун У қовоқ ариларни юборади*.

8:3 *манна* — Худо Исроил халқига қирқ йил давомида саҳрода етказиб турган махсус егулик. Манна, Шаббат кунидан ташқари, ҳар куни кечаси ерга ёғиларди, одамлар саҳарда туриб, уни йиғиб олишарди. Сўнг уни янчиб, нон ёпишарди ёки қайнатиб овқат тайёрлашарди (Чиқиш 16:13-35, Саҳрода 11:7-9 га қаранг).

8:15 *...қоядан сув чиқарди* — Чиқиш 17:1-7 ва Саҳрода 20:2-11 га қаранг.

9:1 *...Иордан дарёсининг нариги томонига...* — яъни Иордан дарёсининг ғарб томонига.

9:2 *Оноқ авлоди* — 1:28 изоҳига қаранг.

9:8 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

9:9 *Эгамиз сизлар билан қилган аҳд* — яъни ўнта амр.

9:18 *олдингидай* — шу бобнинг 9–оятига қаранг.

9:22 *Тавера* — Саҳрода 11:1-3 га қаранг.

9:22 *Массах* — Чиқиш 17:1-7 ва Саҳрода 20:1-13 га қаранг.

9:22 *Хиврут–Хаттаво* — Саҳрода 11:33-34 га қаранг.

9:23 *Кадеш–Барнадан жўнатганда ҳам...сизлар Эгангиз Худонинг амрига қаршилик қилдингизлар* — Саҳрода 13-14–бобларга қаранг.

10:3 *акас ёғочи* — қуруқ жойларда ўсадиган акас дарахтининг ёғочи қаттиқ, чидамли ва енгил бўлади.

10:6 *Яқон уруғига қарашли қудуқлар* — ибронийча матнда *Барўт–Баний–Яқон*, маъноси *Яқон уруғига қарашли қудуқлар*.

10:6 *Ҳорун ўша ерда вафот этиб...* — Саҳрода 20:22-28 га қаранг.

10:8 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

10:16 *Юракларингизни суннат қилинглар...* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Исроил халқи Худога бўлган садоқатини ва Унинг амрларига итоат қилиш истагини кўрсатиш учун суннат қилинардилар. Бу оятдаги "юракларингизни суннат қилинглар" ибораси кўчма маънода ишлатилиб, тузилган аҳднинг ташқи белгиси бўлган жисмоний суннат етарли эмаслигини кўрсатади. Мазкур иборада Худога чин юракдан содиқ ва итоаткор бўлишга урғу берилади (яна 30:6 га қаранг).

10:17 *худоларнинг Худоси...эгаларнинг Эгаси* — бу ибора Худо заминий ва самовий кучларни бошқаришини билдиради. Эгамиз Худо халқлар сиғинадиган барча худолардан устун (мисол учун, Чиқиш 12:12, 18:9-11 га қаранг). Муқаддас Китобда бу "худолар" беҳуда бутлар деб ҳам аталади (Чиқиш 20:3-5, Забур 95:4-5, Ишаё 42:17, 44:6-20), баъзи бир оятларда эса жинлар деб тасвирланади (Қонунлар 32:16-17, Забур 105:36-38, 1 Коринфликлар 10:19-20 га қаранг).

10:22 *етмиш киши* — Ибтидо 46:8-27 оятларга ва Ибтидо 46:27 изоҳига қаранг.

11:4 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном остида ҳозирги Суэц қўлтиғи (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиқ) ёки Суэц қўлтиғи ва Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган кўллардан бири назарда тутилган. Чиқиш 14:10-31 даги ҳодисаларнинг тафсилотига кўра, бу денгиз катталигидан Исроил халқига тўсиқ бўлган, чуқурлигидан Миср лашкари чўкиб кетган.

11:6 *...Датан ва Абурамни Эгамиз нималар қилганини...* — Саҳрода 16:1-34 га қаранг.

11:9 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — 6:3 изоҳига қаранг.

11:10 *Мисрда сабзавот уруғини...ўзларингиз суғорар эдингизлар* — Мисрдаги ер текис бўлиб, ёмғир кам ёғарди. Экинларни суғориш учун сувни Нил дарёсидан ташиб келиш керак эди.

11:14 *Донингизни, шаробингизни ва зайтун мойингизни йиғиб оласиз* — Канъонда экин–тикин ишлари кузги ёмғирлардан олдин бошланарди, ҳосил эса баҳор ёмғирларидан олдин йиғиб олинарди.

11:29 *...Гаризим тоғидан...Эбал тоғидан...* — Ёшуа 8:30-35 га қаранг.

11:30 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсининг бир қисмига, айнан Ўлик денгизнинг шимолидаги ерларга нисбатан ишлатилган.

12:3 *Ашера* — 7:5 изоҳига қаранг.

12:6 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. 14:22-29, 26:12-13 га ва Левилар 27:30-33 га қаранг.

12:6 *мол–қўйларингизнинг биринчи туғилган болалари* — 15:19-22 га қаранг.

12:22 *Пок ёки ҳаром одам бу гўштни...тановул қилаверсин* — одатда гўшт муқаддас таом сифатида тановул қилинарди ва фақат сажда учун покланган одамларгина бундай гўштдан ейишлари мумкин эди. Муқаддас таом таркибига кирмаган гўштни эса ҳар қандай одам покланмасдан туриб ейиши мумкин эди.

14:1 *...баданингизни тилманг, сочингизнинг олдини қирманг* — бу одатлар бутпараст халқларга хос эди (мисол учун, 3 Шоҳлар 18:28 га қаранг).

14:4 *ҳайвонлар* — ибронийча матндаги шу бобнинг 4-18–оятларида айтиб ўтилган баъзи ҳайвонлар ва қушларнинг қайси турларига мансублиги баҳсли.

14:20 *...баъзи турдаги қанотли ҳашаротларни ейишингиз мумкин* — Левилар 11:20-23 га қаранг.

14:21 *Улоқчани ўз онасининг сутида қайнатманг* — Чиқиш 23:19 изоҳига қаранг.

14:23 *ушр* — 12:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

15:12 *...иброний эркак ёки аёл сизга ўзини сотса...* — қадимги Исроилда одамлар қарзини тўлаш учун баъзан ўзларини қулликка сотишган ёки оила аъзолари томонидан қул қилиб сотилганлар.

16:1 *Абиб ойи* — иброний календарининг биринчи ойи (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

16:3 *...етти кун давомида хамиртурушсиз нон енглар* — Фисиҳ зиёфатида ва ундан кейин бир ҳафта давомида Исроил халқи фақат хамиртурушсиз нонларни истеъмол қилишлари керак эди. Ўша ҳафта Хамиртурушсиз нон байрами деб аталган (шу бобнинг 16–оятига ва Чиқиш 12:14-20, 13:3-10 га қаранг).

16:9 *Ҳосил* — баҳорда Хамиртурушсиз нон байрами пайтида етиладиган арпа ҳосилига ишора (шу бобнинг 3–ояти изоҳига қаранг).

16:10 *Ҳосил байрами* — ибронийча матнда *Ҳафталар байрами*, Ҳосил байрамининг яна бир номи (шу бобнинг 16–оятида ҳам бор).

16:13 *Донингизни янчиб, шаробингизни тайёрлаб олганингиздан кейин…* — сентябрнинг охири ёки октябрнинг бошига тўғри келади (Левилар 23:34 оятга ва Левилар 16:29 изоҳига қаранг).

16:21 *Ашера* — 7:5 изоҳига қаранг.

17:17 *…акс ҳолда, Эгамиздан юраги совийди* — шоҳлар ажнабий ҳукмдорлар билан сулҳ тузиш мақсадида уларнинг қизларига уйланар эдилар. Бу ажнабий хотинлар ўз худоларига топиниб, шоҳни ҳам ўша бутларга топинишга ундардилар.

18:2 *“Мен Ўзим сизларнинг улушингиз бўламан”* — Худо Леви қабиласининг муҳтожликларини қондиришини ваъда қилган эди. Улар Исроил халқининг Эгамизга келтирилган қурбонлигу назрларидан ейиш ҳуқуқига эга эдилар (шу бобнинг 1-2–оятларига қаранг). Бундан ташқари, Худонинг амрига кўра, халқдан йиғилган ушр Леви қабиласига тегишли бўлди (14:28-29 га қаранг), айрим шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги яйловлар ҳам уларга берилган эди (Ёшуа 21:1-3 га қаранг).

18:10 *Ўғли ёки қизини оловда қурбон қиладиган…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўғли ёки қизини оловдан ўтказадиган….* Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

18:16 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

19:2-3 *юрт* — Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юрти назарда тутилган. Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ҳудудда учта паноҳ шаҳар белгилаб бўлинганди (4:41-43 га қаранг).

20:20 *қамал иншоотлари* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча девор ёнига баланд қурилмалар ясаганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

22:8 *…бирортаси томингиздан йиқилиб ўлса…* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

22:19 *юз бўлак кумуш* — ибронийча матнда *юз шақал кумуш*, тахминан 1 килога тўғри келади.

22:24 *хотин* — унаштирилган қиз ота–онасининг уйида яшаб юрган пайтда, тўйидан олдин ҳам никоҳдаги хотин деб ҳисобланарди.

22:29 *эллик бўлак кумуш* — ибронийча матнда *эллик шақал кумуш*, тахминан 550 граммга тўғри келади.

23:4 *Орам–Нахрайим* — ибронийчадаги маъноси *Икки дарёнинг Орами* демакдир. Бу ер Фурот дарёси бўйида жойлашган бўлиб, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолий қисмини ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқий қисмини қамраб оларди

23:4 *Улар…Баломни сизларни лаънатлаш учун ёллади* — Саҳрода 22:1-24:25 га қаранг.

23:7 *улар сизларнинг қариндошларингиздир* — Эдомликлар Ёқубнинг акаси Эсовдан тарқалган насл эди. Ёқуб Исроил халқининг бобокалони эди.

23:17 *саждагоҳ фоҳишалари…саждагоҳ фоҳишлари* — ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар,

худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар.

24:8 *Тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун, бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Левилар 13:45-46 га қаранг).

24:9 *…Эгангиз Худо йўлда Марямни нима қилганини…* — Саҳрода 12:1-15 га қаранг.

25:4 *Ғалла янчаётган…* — донни бошоқдан ажратиш жараёни янчиш дейилади. Қадимги Яқин Шарқда бу иш дон бошоқларини таёқ билан уриш, устидан тепкилаш ёки хўптир юргизиш орқали бажарилган (хўптир — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта).

25:17 *Мисрдан чиқаётганингизда йўлда Омолек халқи сизларга нима қилганини…* — Чиқиш 17:8-14 га қаранг.

26:5 *Бобокалонимиз Ёқуб кўчманчи бир Орамлик эди* — Ибтидо 28:1-5, 18-21 га қаранг.

26:9 *сут ва асал оқиб ётган шу юрт* — 6:3 изоҳига қаранг.

26:12 *ушр* — 12:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

27:2-4 *Сут ва асал оқиб ётган бу юрт* — 6:3 изоҳига қаранг.

27:2-4 *Эбал тоғи* — Қуддусдан қарийб 44 километр шимолда, Шакам шаҳри яқинида жойлашган.

27:9 *Бугун сизлар Эгангиз Худонинг халқи бўлдингиз* — 26:16-19 га қаранг.

27:12-13 *…Гаризим тоғи…[13]…Эбал тоғи…* — Гаризим тоғи Эбал тоғидан жанубда жойлашган. Бу икки тоғ орасидан Шакам водийси ўтган. Яна шу бобнинг 2-4–оятларига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

28:38 *чигирткалар* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

29:1-2 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

29:8 *Манаше қабиласининг ярми* — 3:13 изоҳига қаранг.

29:19 *…у ҳамманинг бошига бирдай кулфат келтиради* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…у суғорилган ерни ҳам, сувсиз ерни ҳам бирдай йўқ қилади*. Ибронийча матндаги гапнинг маъноси баҳсли.

29:23 *Эгамиз ғазаб устида йўқ қилган…шаҳарлари* — Ибтидо 19:24-29 га қаранг.

30:6 *…юрагингизни, авлодларингизнинг юрагини суннат қилади* — 10:16 изоҳига қаранг.

31:1-2 *Мусо…[2]…шундай деди…* — Қумрон қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Мусо бориб, бутун Исроил халқига қуйидаги сўзларни айтди. [2] У шундай деди….*

31:7 *Сен орқали улар ўша юртни мулк қилиб олишади* — ёки *Сен ўша юртни уларга мулк қилиб бўлиб берасан*.

31:10 *…Чайла байрамини нишонлаганингизда…* — 16:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

31:20 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — 6:3 изоҳига қаранг.

31:22 *Мусо…қўшиқни ёзиб, Исроил халқига ўргатди* — шу бобнинг 30–оятига ва 32:1-43 га қаранг.

32:8 *Илоҳий зотлар* — Қумрон қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Исроил ўғиллари*. Дониёр 10:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

32:15 *Азизим Исроил* — ибронийча матнда *Ёшурун*, Исроилни эркалаб айтилган ном.

32:22 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

32:32 *Садўм ва Ғамўра* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

32:44 *Ёшуа* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Хўшея*.

32:51 *Икковингиз…Исроил халқига муқаддаслигимни намоён қилмаган эдингиз* — Саҳрода 20:1-13 га қаранг.

33:2 *Синай…Сеир…Порон* — бу жойлар шеърий асарларда Исроил халқига Эгамиз қонунлар берганини эслатади.

33:2 *Ўн мингларча фаришта У билан келди…* — ёки *У ўн мингларча фаришта орасидан келди….*

33:2 *олов* — ёки *қонун*.

33:3 *Ўз халқи* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *халқлар*.

33:5 *азиз Исроил* — ибронийча матнда *Ёшурун*, Исроилни эркалаб айтилган ном (шу бобнинг 26–оятида ҳам бор).

33:6 *…Сони кам бўлса–да, омон бўлсин* — ёки *…Сони кам бўлмасин*.

33:8 *Урим билан Туммим* — айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун фойдаланадиган иккита муқаддас нарса. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг. Ҳамма руҳонийлар Леви қабиласидан эди.

33:8 *…Массахда…Марива сувлари бўйида…* — Чиқиш 17:1-7 ва Саҳрода 20:1-13 га қаранг.

33:9 *У ота–онасидан…Сени устун кўрди* — Чиқиш 32:25-29 га қаранг.

33:12 *…бехатар яшайди, Худойи Таоло доим уни асрайди…* — ёки *…У билан бехатар яшайди, Эгамиз доим уни асрайди….*

33:16 *Ёнган бута орасида зоҳир бўлган Худо* — Чиқиш 3:1-6 га қаранг.

33:21 *У ўзи учун ернинг аълосини олди…Эгамизнинг Исроил учун чиқарган қарорини адо этди* — Саҳрода 32:16-31, Ёшуа 4:12-13 га қаранг.

34:1 *Мусо…Наво тоғининг чўққисига чиқди* — 32:48-49 га қаранг.

34:1 *Фисгах тоғ тизмаси* — Ўлик денгизнинг шимолий қирғоғидан қарийб 15 километр шарқда жойлашган. Фисгах деб, Мўаб текислигидан то ғарбдаги Аборим тоғларигача чўзилган тоғ тизмасига нисбатан айтилган бўлиши мумкин.

34:1 *Гилад ўлкаси* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

34:3 *Нагав чўли* — ҳозирги Исроилнинг жанубида, Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган ерлар.

34:3 *Зўвар шаҳри* — Ўлик денгизнинг жануби–шарқ томонида жойлашган.

ЁШУА
КИТОБИ

Кириш

Ёшуа китобида Исроил халқининг тарихи баён этилган бўлиб, китобдан ўрин олган воқеалар Мусонинг Таврот китобидаги воқеаларнинг узвий давомидир. Исроил халқи Худо Иброҳимга ваъда қилган Канъон юртига кириб, уни забт эта бошлайди. Мазкур китобда нафақат тарихий далиллар, балки Худонинг Ўз халқи билан бўлган жонли муносабати, ваъдаларига содиқлиги, бевафо халқига кўрсатган меҳр–шафқати баён қилинган.

Бу китобнинг бош қаҳрамони Нун ўғли Ёшуадир. Мусонинг ўлимидан кейин Ёшуа Исроил халқининг йўлбошчиси қилиб тайинланган эди. Ёшуа исми “Эгамиз қутқаради” деган маънони билдиради. Китобнинг шу ном билан аталиши ҳам бежиз эмас, чунки Худонинг Ўзи халқини душманларидан қутқариб, саноқсиз жангларда уларга ғалаба ато қилади. Ғалаба ҳарбий куч ва салоҳият туфайли эмас, балки Худога бўлган ишонч ва Унинг сўзига итоаткорлик туфайли насиб бўлишини Исроил халқи ўз тажрибасидан билиб олади.

Китобнинг бошида (1-12–боблар) Ёшуа Исроил халқини Канъон юртига олиб киргани ва юртнинг аксарият қисмини забт этгани ҳақида ҳикоя қилинади. Китобнинг бу қисмида кўп мўъжизалар ҳақида сўз юритилади, масалан, Ерихо шаҳри учун бўлган жангда Худонинг қудрати билан шаҳар деворлари ўпирилиб тушади, Гивон шаҳри учун бўлган жангда Худо осмондан йирик дўл ёғдириб, душман жангчиларини эзиб ташлайди, қуёшни бир жойда тўхтатиб қўяди.

Китобнинг давомида (13-25–боблар) Канъон юртининг ерлари Исроил қабилалари орасида тақсимланиши ҳақида сўз боради. Мусо даврида Исроил халқининг Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми Иордан дарёсининг шарқидаги ерларга ўрнашиб олган эдилар. Энди Ёшуа Иордан дарёсининг ғарбидаги ерларни қолган тўққизта қабила ва Манаше қабиласининг иккинчи ярмига тақсимлаб беради. Леви қабиласи Худога хизмат қилгани боис, уларга бошқа қабилалар қатори ер улуш қилиб берилмайди. Юртдан улуш бериш ўрнига, Ёшуа левиларга бутун юрт бўйлаб яшашлари учун шаҳар ва қишлоқларни ажратиб беради. Орадан анча йиллар ўтгандан кейин, ҳаётининг сўнгги дамларида Ёшуа халқни Худога садоқатли бўлишга, фақат Унга сажда қилишга чақиради.

1–БОБ

Худо Ёшуага Канъон юртини босиб олиш ҳақида амр беради

1 Эгамиз Ўзининг қули Мусо вафотидан кейин Мусонинг ёрдамчиси Ёшуага
шундай деди: 2 “Менинг қулим Мусо вафот этди. Энди ҳаммангиз — бутун Исроил
халқи Мен сизларга бераётган юртга кириш учун Иордан дарёсидан ўтишга
тайёрланинглар*. 3 Мусога ваъда берганимдай, оёғингиз теккан ҳамма жойни
сизларга бераман. 4 Жанубдаги саҳродан шимолдаги Лубнонгача, шарқдаги буюк
Фурот дарёсидан ғарбдаги Ўрта ер денгизигача* бўлган жойлар, Хет халқининг
ҳамма ерлари* сизнинг юртингиз бўлади. 5 Эй Ёшуа, бир умр ҳеч ким сенга бас
кела олмайди. Мусо билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан. Сени тарк
этмайман, ҳеч қачон ташлаб кетмайман. 6 Дадил ва ботир бўл, Исроил халқи бу

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

юртни қўлга киритиб, эгалик қилишига сен бош бўласан. Чунки уларнинг ота–боболарига, бу юртни сизларга бераман, деб ваъда қилганман. 7 Дадил ва ботир бўлишинг керак, Мен қулим Мусо орқали буюрган қонунларнинг ҳаммасини битта қолдирмай бажар, борган жойингда ишларинг ўнгидан келиши учун бу қонунлардан ўнгга ҳам, чапга ҳам оғма. 8 Таврот китобида* ёзилганлар тилингдан тушмасин, уларни битта қолдирмай бажаришинг учун кечаю кундуз улар ҳақида фикр юритгин. Шунда ишларинг юришиб, ўнгидан келади. 9 Амр қиламан: дадил ва ботир бўл, ваҳимага тушма, қўрқма, қаерга борсанг ҳам, Мен, Эганг Худо, сен билан бирга бўламан.”

Ёшуанинг халққа берган буйруқлари

10 Шундан кейин Ёшуа Исроил қабилаларининг назоратчиларига шундай деб буюрди:

11 — Қароргоҳ бўйлаб юриб, халққа қуйидаги гапларни айтинглар: “Озиқ–овқатларингизни тайёрланглар, чунки уч кундан кейин Иордан дарёсидан ўтиб, Эгангиз Худо сизларга бераётган юртни қўлга кирита бошлайсизлар.”

12 Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярмига Ёшуа шундай деди:

13 — Эгамизнинг қули Мусо сизларга амр қилиб айтган сўзларини эсланг*. У сизларга: “Эгангиз Худо сизларга осойишталик ато қилиб, мана шу ерларни берди”, деб айтган эди. 14 Хотинларингиз, болаларингиз, мол–қўйларингиз Мусо сизларга берган ерда — Иорданнинг мана шу шарқ томонида қолади. Орангиздаги барча қуролланган жасур жангчилар эса биродарларингизнинг олдида бориб, Иордан дарёсидан ўтади. 15 Биродарларингиз ҳам Эгангиз Худо бераётган юртни эгалламагунча, жасур жангчиларингиз уларга ёрдам беради. Эгамиз сизга осойишталик бергандай, биродарларингизга ҳам осойишталик бергандан кейингина Эгамизнинг қули Мусо сизларга берган Иорданнинг шарқидаги ўз ерингизга қайтиб келиб, жойлашасизлар.

16 Улар Ёшуага шундай деб жавоб беришди:

— Сиз буюрган ҳамма нарсани қиламиз, қаерга юборсангиз борамиз. 17 Ҳамма нарсада Мусога қандай итоат қилган бўлсак, сизга ҳам шундай итоат қиламиз. Эгангиз Худо, Мусо билан бўлганидек, сиз билан бирга бўлсин! 18 Сизнинг айтган сўзларингизга қарши чиққанларнинг, бирорта буйруғингизга бўйсунмаганларнинг жазоси ўлимдир. Сиз фақат дадил ва ботир бўлинг.

2–БОБ

Ёшуа Ерихога айғоқчиларни юборади

1 Ёшуа Шитимдаги қароргоҳдан* икки кишини яширинча айғоқчи қилиб юборди. Юборишдан олдин уларга: “Бориб, Канъон юртини, айниқса, Ерихо шаҳрини* яхшилаб кўриб келинглар”, деди. Айғоқчилар Ерихога кетишди. Бориб, Раҳоба исмли бир фоҳишанинг уйида тунаб қолишди. 2 Ерихо шоҳига: “Бугун кечқурун Исроил халқидан бир нечтаси бутун юртимизни текшириш учун келишибди” деган хабар етиб борди. 3 Шунда шоҳ Раҳобага хабар юбориб: “Юртимизни текширишга келган кишилар сенинг уйингга кирибди. Энди уларни ташқарига олиб чиқ”, деб буюрди. 4 Лекин аёл ўша кишиларни яшириб қўйган эди. У шоҳнинг одамларига шундай деди: “Тўғри, ўша кишилар меникига келган эди, лекин уларнинг қаердан келганини билмагандим. 5 Кеч тушиб, шаҳар дарвозаси ёпилишидан олдин улар чиқиб кетишди. У кишилар қаерга кетганини билмайман. Агар тез орқасидан борсангиз, уларни ушлашингиз мумкин.” 6 Аслида Раҳоба уларни томга олиб чиқиб, қуритиш учун ёйиб қўйилган зиғир боғламлари

тагига яшириб қўйган эди. 7 Шоҳнинг одамлари шаҳардан чиқиб кетиши биланоқ,
шаҳар дарвозаси ёпилди*. Улар айғоқчиларни қидириб, Иордан дарёсининг кечув
жойигача боришди.
8 Айғоқчилар ухлашга ётишдан олдин Раҳоба томга чиқиб, 9 уларга шундай
деди: “Эгангиз бизнинг юртимизни сизларга берганлигини биламан. Бутун
халқимиз билан сизлардан қўрқиб қолганмиз. Шу ерда яшайдиганларнинг
ҳаммаси сизлар ҳақингизда эшитиб ваҳимага тушган. 10 Биз эшитдик, сизлар
Мисрдан чиққанингиздан кейин, Эгангиз олдингизда Қизил денгиз* сувларини
қуритибди. Иорданнинг шарқ томонидаги Амор халқининг шоҳлари Ўг ва
Сихўнни нима қилганингизни, уларнинг одамларини бутунлай қириб
ташлаганингизни ҳам эшитдик. 11 Бу воқеалар ҳақида эшитишимиз биланоқ
юракларимиз орқага тортиб кетди, сизлардан қўрққанимиз учун жасоратимиздан
асар ҳам қолмади. Чунки Эгангиз Худо еру самодаги Худодир. 12 Мен сизларга
марҳамат кўрсатдим. Энди шунинг учун Эгангиз ҳақи қасам ичиб, сенинг
оилангга ҳам меҳрибонлик қиламиз, деб кафолат беринг. 13 Мана шу кафолат
ота–онам, ака–укам, опа–сингилларим ва уларга қарашли бўлганларни сақлаб
қолишингизни, бизни ўлимдан қутқаришингизни билдирсин.” 14 Айғоқчилар унга
шундай дейишди: “Агар биз ҳақимизда ҳеч кимга айтмасанг, Эгамиз бизга шу
ерни берганда, сен ва сенинг оилангга марҳамат кўрсатамиз, деб ваъда берамиз.
Сизларга бирор нарса бўлса, Худо жонимизни олсин.”
15 Раҳобанинг уйи шаҳар деворларига тақалиб қурилганлиги учун*, деразаси
шаҳардан ташқарига қараб турган эди. Раҳоба мана шу деразадан арқон тушириб,
айғоқчиларнинг қочишига ёрдам берди. 16 Улар кетишидан олдин, Раҳоба:
“Сизларни қуваётганлар топиб олмаслиги учун қирларга боринглар. Ўша ерда уч
кун яширининглар. Улар қайтиб келганларидан кейин ўз йўлингизга
кетаверасиз”, — деган эди. 17-18 Айғоқчилар Раҳобага жавобан шундай дейишган
эди: “Биз бу ерга ҳужум қилганимизда мана шу қизил арқонни биз тушадиган
деразангга боғлаб, осилтириб қўйгин. Оилангдагиларнинг ҳаммаси — ота–онанг,
ака–уканг, қариндош–уруғларинг уйингда бўлиши керак, бўлмаса, биз сенга
ичган қасамимиздан халос бўламиз. 19 Бирортаси эшигингдан ташқарига, кўчага
чиқса, ўз ўлимига ўзи жавобгар бўлади, биз гуноҳкор бўлмаймиз. Лекин сен билан
уй ичида бўлганларга бирортаси қўл теккизса, уларнинг ўлимига биз жавобгар
бўламиз. 20 Лекин мабодо биз ҳақимизда бировга оғиз очсанг, сен бизга ичтирган
қасамдан халос бўламиз.” 21 Раҳоба: “Сизлар нима десангиз шундай бўлсин” деган
сўзлар билан айғоқчиларни чиқариб юборди. Улар ўз йўлларига кетишди. Кейин
Раҳоба қизил арқонни деразасига боғлаб қўйди.
22 Ўша айғоқчилар бориб, қирларда уч кун, уларни излаб юрганлар қайтгунча
туришди. Уларни қувиб кетганлар йўл бўйидаги ҳамма жойларни излаб ҳам ҳеч
кимни топа олмадилар. 23 Айғоқчилар қирдан қайтиб тушишди. Улар дарёни
кечиб ўтиб*, Ёшуанинг олдига келиб, бўлган воқеаларнинг ҳаммасини унга айтиб
беришди. 24 Улар Ёшуага: “Ҳақиқатан ҳам Эгамиз бутун юртни бизнинг қўлимизга
берган. У ерда яшовчиларнинг ҳаммаси бизларни деб ваҳимага тушган”, дейишди.

3–БОБ

Исроил халқи Иордан дарёсини кечиб ўтади

1 Эртасига тонгда Ёшуа бутун Исроил халқи билан бирга Шитим қароргоҳидан
чиқиб, Иорданга етиб келди. Дарёни кечиб ўтишдан олдин улар ўша ерда
қароргоҳ қуришди. 2 Уч кундан кейин қабила назоратчилари қароргоҳ бўйлаб

юриб, [3] халққа шундай дейишди: “Леви руҳонийлари Эгангиз Худонинг Аҳд
сандиғини кўтариб кетаётганини кўрганингизда йўлга чиқинглар. Унинг
орқасидан боринглар. [4] У сизга йўлни кўрсатиб боради, чунки сизлар бу йўлни
билмайсизлар. Лекин Сандиқ билан сизларнинг орангиздаги масофа тахминан
икки минг тирсак* бўлиши керак. Орангиздаги масофа мана шундан кам
бўлмасин.” [5] Кейин Ёшуа халққа: “Ўзингизни покланг*, чунки эртага Эгамиз
орамизда мўъжизалар кўрсатади”, — деди. [6] Эртасига Ёшуа руҳонийларга шундай
деди: “Аҳд сандиғини олиб, халқнинг олдида юринглар.” Руҳонийлар Аҳд
сандиғини кўтариб, халқ олдида боришди.

[7] Эгамиз Ёшуага шундай деди:

— Бугундан бошлаб сени бутун Исроил халқи олдида кўкка кўтараман, шунда
улар Мен Мусо билан бўлганимдек, сен билан бирга эканимни билишади. [8] Аҳд
сандиғини кўтариб борадиган руҳонийларга айтасан: “Иордан дарёсига етиб
борганингиздан кейин, дарёга кириб тўхтанглар.”

[9] Кейин Ёшуа Исроил халқига шундай деди:

— Яқинроқ келиб, Эгангиз Худонинг гапларини эшитинг. [10-11] Мана, бутун
олам Раббийсининг Аҳд сандиғи олдингизда Иордан дарёсидан ўтади*. Шундай
қилиб, барҳаёт Худо сизларнинг орангизда эканлигини, Унинг Ўзи Канъон, Хет,
Хив, Париз, Гиргош, Амор ва Ёбус халқларини сизларнинг олдингиздан албатта
қувиб юборишини биласизлар. [12] Энди Исроил халқининг ҳар бир қабиласидан
биттадан, жами ўн иккита эркакни танлаб олинглар. [13] Бутун олам Раббийси —
Эгамизнинг Аҳд сандиғини кўтарган руҳонийларнинг оёқлари Иордан
дарёсининг сувларига тегиши биланоқ оқим тўхтаб қолади, сув бир жойда
йиғилиб туради.

[14] Халқ ўз чодирларини йиғиб, Иордандан ўтиш учун йўлга тушганда, Аҳд
сандиғини кўтарган руҳонийлар уларнинг олдида борар эди. [15] Ҳосил мавсуми*
бўлгани учун Иордан суви қирғоқларидан ҳам тошиб оқарди. Аҳд сандиғини
кўтарган руҳонийлар Иорданга яқинлашдилар. Уларнинг оёқлари сувга тегиши
биланоқ, [16-17] дарёнинг оқими тўхтаб қолди. Сув узоқда жойлашган Зоратон
ёнидаги Адам шаҳри* олдида йиғилиб қолди, Ўлик денгизга* қуйиладиган дарё
суви эса оқиб кетди, дарё ўзани қуриб қолди. Жамики Исроил халқи қуруқ ердан
юриб, Иордандан ўтиб бўлмагунча, Эгамизнинг Аҳд сандиғини кўтарган
руҳонийлар дарёнинг ўртасида, қуруқ ерда туришди. Халқ дарёдан ўтиб, Ерихо
шаҳрининг ёнидаги ерларга борди.

4–БОБ

Исроил халқи тошлардан ёдгорлик ўрнатади

[1] Бутун халқ Иордандан ўтиб бўлгандан кейин, Эгамиз Ёшуага шундай деди:

[2] — Халқнинг орасидан ўн икки кишини танлагин, ҳар бир қабиладан
биттадан бўлсин. [3] Уларга: “Иордан дарёсининг ўртасидан, руҳонийларнинг оёғи
турган жойдан ўн иккита тош олиб чиқинглар, бугун кечқурун қароргоҳ
қурадиган жойга олиб бориб қўйинглар”, деб буюргин.

[4] Ёшуа ҳар бир Исроил қабиласидан танлаган ўн икки кишини чақириб,
[5] уларга шундай деди: “Эгангиз Худонинг Аҳд сандиғи олдига, Иорданнинг
ўртасига бориб, у ердан ҳар бирингиз Исроил қабилаларининг ҳар бири учун
биттадан тош олинглар. Уларни елкангизда кўтариб, қароргоҳга олиб боринглар.
[6] Бу тошлар сизларга эсдалик бўлиб хизмат қилади. Вақти келиб,
фарзандларингиз сизлардан: «Бу тошлар нимани билдиради?» деб сўраганда,

7 уларга Эгамизнинг Аҳд сандиғи Иордан дарёсидан ўтаётганда, дарёнинг сувлари
тўхтаб қолганини айтиб берасизлар. Бу тошлар сизларга умрбод ёдгорлик бўлиб
қолади.”
8 Исроил халқидан танланган кишилар Ёшуа уларга буюргандай қилишди.
Эгамиз Ёшуага айтгандай, улар Иорданнинг ўртасидан ҳар бир Исроил қабиласи
учун биттадан тош, жами ўн иккита тош олиб, ўзлари билан ўша куни қароргоҳ
қурилган жойга олиб бориб қўйишди. 9 Шундан кейин Ёшуа яна ўн иккита тош
олиб, Иорданнинг ўртасига бир ёдгорлик қурди. Бу ёдгорлик Аҳд сандиғини
кўтарган руҳонийлар турган жойга қурилган эди. У тошлар бугунгача* ўша
ердадир.
10 Эгамиз Ёшуага, халққа айтгин, деб амр қилганларининг ҳаммаси содир
бўлмагунча, Сандиқни кўтарган руҳонийлар Иорданнинг ўртасида турдилар.
Ёшуага Мусо мана шу йўл–йўриқларни кўрсатган эди. Халқ тез–тез дарёдан ўтди.
11 Ҳамма дарёдан ўтиб бўлгандан кейин, Иорданнинг ўртасида турган руҳонийлар
Эгамизнинг Аҳд сандиғини кўтариб, дарёдан чиқдилар. Бутун халқ буни кўриб
турди. 12 Мусо буюргандай*, Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласи ярмининг
эркаклари ҳам қуролланиб, дарёдан ўтган эдилар. Улар Исроил халқининг
олдинги сафларида эдилар. 13 Жангга тайёр ўша қирқ мингга яқин киши Эгамиз
бошчилигида Ерихо ёнидаги текисликка ўтди.
14 Ўша куни Эгамиз қилган ишлари орқали Исроил халқининг кўзи олдида
Ёшуанинг номини юксалтирди*. Улар бутун умри давомида Мусони қандай
ҳурмат қилган бўлсалар, Ёшуани ҳам шундай ҳурмат қилдилар.
15-16 Ўша куни Эгамиз Ёшуага: “Аҳд сандиғини* кўтарган руҳонийларга,
Иордандан чиқинглар, деб буюргин”, деган эди. 17 Ёшуа руҳонийларга:
“Иордандан чиқинглар!” деб буюрганда, 18 Эгамизнинг Аҳд сандиғини кўтарган
руҳонийлар Иорданнинг ўртасидан чиқиб келишганди. Уларнинг оёқлари нариги
қирғоқнинг қуруқ ерига тегиши биланоқ, Иорданнинг сувлари яна олдингидай
қирғоқлардан тошиб оқа бошлаганди.
19 Шундай қилиб, халқ биринчи ойнинг* ўнинчи кунида Иордандан ўтди. Улар
Ерихо шаҳрининг шарқидаги Гилгал* деган жойда қароргоҳ қуришди. 20 Улар
Иордандан олган ўн иккита тошни Ёшуа Гилгалда ўрнатиб, 21 Исроил халқига
шундай деди:
— Вақти келиб, фарзандларингиз сизлардан: “Бу тошлар нимани билдиради?”
деб сўраса, 22 сизлар шундай жавоб берасизлар: “Исроил халқи мана шу ерда қуруқ
ердан юриб Иордандан ўтганди. 23 Эгамиз Худо биз ўтишимиз учун Қизил
денгизни* қуритгандай, бу ерда ҳам биз ўтиб бўлмагунимизча Иорданнинг
сувларини қуритган эди. 24 Ер юзидаги барча халқлар Эгамизнинг қудратли
эканини билиши ҳамда сизлар Худойингиз — Эгамиздан бир умр қўрқишингиз
учун шундай қилган эди.”

5–БОБ

1 Исроил халқи Иордан дарёсидан ўтиб бўлгунча, Эгамиз улар учун дарёнинг
сувини қуритган эди. Иорданнинг ғарбидаги Амор шоҳлари ва Ўрта ер денгизи
ёнидаги Канъон шоҳлари бу ҳақда эшитиб, юраклари орқага тортиб кетди.
Исроил халқидан қўрққанлари учун уларнинг жасоратидан асар ҳам қолмади.

Исроил халқи Гилгалда суннат қилинади

2 Ўша пайтда Эгамиз Ёшуага шундай деди: “Тошдан пичоқлар ясаб*, Исроил
халқининг бу янги авлодини суннат қилинглар*.” 3 Ёшуа тошдан пичоқлар ясатиб,

уларни Гивот–Харилўт* деган жойда суннат қилдирди. 4 Ёшуа суннат
қилганининг сабаби қуйидагича: Мисрдан чиққан, жангга яроқли эркакларнинг
ҳаммаси саҳродаги сафар давомида ўлган эди. 5 Мисрдан чиққанларнинг ҳаммаси
суннат қилинган бўлса–да, саҳрода туғилган ўғил болалар суннат қилинмаган
эди. 6 Эгамизга итоат қилмаган, Мисрдан чиққанда жангга яроқли бўлган
наслнинг ҳаммаси ўлмагунча, Исроил халқи қирқ йил саҳрода саргардон бўлиб
юрди. Эгамиз уларга: “Мен ота–боболарингизга ваъда қилиб, сизларга бераман
деган сут ва асал оқиб ётган юртни* ҳеч қачон кўрмайсизлар”, деб қасам ичган
эди. 7 Мисрдан чиққанларнинг ўрнига Эгамиз уларнинг фарзандларини бино
қилди. Ўша янги авлод йўлда суннат қилинмаган эди. Мана шунинг учун Ёшуа
уларни суннат қилди.

8 Ҳамма эркаклар суннат қилингандан кейин, тузалгунча қароргоҳда
қолдилар. 9 Эгамиз Ёшуага: “Бугун Мен сизлардан Мисрдаги қуллик
шармандалигини олиб ташладим”, — деди. Шунинг учун ўша жой бугунгача
Гилгал* деб аталади. 10 Исроил халқи Гилгалда турган пайтларида ойнинг ўн
тўртинчи кунида* кечқурун Ерихо ёнидаги текисликда Фисиҳ зиёфатини
ўтказдилар. 11 Фисиҳ зиёфатининг эртаси куниёқ улар ўша ернинг ҳосилидан
пиширилган хамиртурушсиз нон* ва қовурилган дон едилар. 12 Исроил халқи ўша
юртда етиштирилган ҳосилни еган кундан бошлаб, Худо уларга манна* юбормай
қўйди. Ўша йил Исроил халқи Канъон ерида етиштирилган ҳосилдан еди, улар
маннани бошқа кўрмадилар.

Ёшуа ва қилич ушлаб турган киши

13 Бир куни Ёшуа Ерихо шаҳри яқинида бўлганда, қаршисида қилич ушлаган
бир кишини кўриб қолди. Ёшуа унинг олдига бориб: “Сен бизникимисан ёки
душман тарафдамисан?” — деб сўради. 14 “Ҳеч қайсиси, — деб жавоб берди у
киши, — мен Эгамиз лашкарининг лашкарбошисиман. Мана, келдим.” Ёшуа мук
тушиб, унга таъзим қилди. “Қулингизга нима буюрасиз, ҳазратим?” — деб сўради
Ёшуа. 15 Эгамиз лашкарининг лашкарбошиси Ёшуага шундай деди: “Оёқ
кийимингни еч, сен турган ер муқаддасдир.” Ёшуа у айтгандай қилди.

Ерихо қулайди

16 Ерихоликлар Исроил халқидан қўрқиб, шаҳар дарвозаларини маҳкамлаб
ёпиб, қўриқчилар қўйишди. Энди шаҳарга ҳеч ким киролмас, у ердан ҳеч ким
чиқолмас эди.

6–БОБ

1 Эгамиз Ёшуага шундай деди: “Мана, Ерихо шаҳрини шоҳию сипоҳлари билан
бирга сенинг қўлингга бердим. 2 Шаҳар атрофини барча жангчилар билан бир
марта айлан. Олти кун шундай қиласан. 3 Еттита руҳоний Аҳд сандиғининг
олдида юрсин. Уларнинг қўлида қўчқор шохидан қилинган биттадан бурғу
бўлсин. Еттинчи куни шаҳар атрофини етти марта айланинглар, руҳонийлар
бурғуни чалиб юришсин. 4 Ўша куни бурғуларнинг узоқ чалинганини эшитиши
биланоқ, ҳамма бор овози билан бақирсин. Шунда шаҳарнинг деворлари қулайди,
ҳамма шаҳарга ҳужум қилиб, тўғри кириб бораверади.” 5 Ёшуа руҳонийларни
чақириб, уларга шундай деди: “Аҳд сандиғини кўтаринглар, еттитангиз эса
биттадан бурғу олиб, Эгамизнинг Аҳд сандиғи олдида юринг.” 6 Одамларга эса:
“Бориб, шаҳарни айланинглар, қуролланган жангчиларнинг ҳаммаси Эгамизнинг
Сандиғи олдида борсин”, — деди.

7 Ёшуа халққа буюргандай, Эгамиз олдида еттита руҳоний бурғуларни чалиб

боришар, Эгамизнинг Аҳд сандиғи эса уларнинг орқасидан борарди.
8 Қуролланган кишилар бурғу чалаётган руҳонийлар олдидан боришди,
Сандиқнинг орқасидан эса қоровуллар бўлинмаси борди. Бурғулар тўхтамай
чалиниб турар эди. 9 Ёшуа халққа шундай деган эди: “Мен айтмагунимча, сизлар
бақирманг, овозингизни чиқарманг. Мен сизларга, бақиринглар, деб айтган
кундагина бақирасизлар.” 10 Эгамизнинг Сандиғи шаҳарни бир марта айланиб
келди. Улар қароргоҳга қайтиб келиб, тунни ўша ерда ўтказишди.
11 Ёшуа эртасига саҳарда турди, руҳонийлар яна Эгамизнинг Сандиғини
кўтаришди. 12 Еттита бурғуни кўтарган етти руҳоний Эгамиз Сандиғининг олдида
боришди. Улар бурғуларни тўхтамай чалишарди. Қуролланган кишилар эса
уларнинг олдида боришарди. Эгамизнинг Сандиғи орқасида эса қоровуллар
бўлинмаси борарди, бурғулар тўхтамай чалинаётган эди. 13 Иккинчи куни ҳам
улар шаҳар атрофини бир марта айланиб, қароргоҳга қайтиб келишди. Улар олти
кун шундай қилдилар.
14 Еттинчи куни эрта тонгда туриб, олдингидай шаҳарнинг атрофини
айландилар, фақат ўша куни етти марта айланишди. 15 Еттинчи марта
айланаётганда, руҳонийлар бурғуни чалар экан, Ёшуа одамларга шундай деди:
“Бақиринглар, чунки Эгамиз шаҳарни бизга берган. 16 Шаҳар аҳолисию шаҳар
ичидаги ҳамма нарса Эгамизга бағишланиб, йўқ қилинсин*. Фақат фоҳиша Раҳоба
ва унинг хонадон аҳли тирик қолади, чунки у биз юборган айғоқчиларни яширган
эди. 17 Сизлар эса Эгамизга бағишланган нарсаларнинг ҳеч бирига яқинлашманг,
тағин ўша нарсаларни олиб, ўзингизни ҳалок қилманг. Исроил халқининг
қароргоҳига кулфат келтирманг, қароргоҳ вайрон бўлмасин. 18 Чунки барча
олтин, кумуш, ҳамма бронза ва темирдан ясалган идишлар Эгамизга
бағишлангандир. Улар Эгамизнинг хазинасига келтирилсин.” 19 Руҳонийлар
бурғуларни чалдилар. Халқ бурғу товушини эшитиши биланоқ баланд овоз билан
бақирган эди, бутун шаҳар деворлари қулаб тушди. Исроил жангчилари турган
жойларидан тўғри шаҳарга кириб, унга ҳужум қилишди. Исроил жангчилари
шаҳарни қўлга киритишди. 20 Улар шаҳардаги ҳаммани, эркагу аёлларни, ёшу
қариларни, мол–қўй, эшакларни — бутун жонзотни қириб ташладилар.
21 Ёшуа ўша ерни текшириб келган икки кишига айтди: “Фоҳишанинг уйига
боринглар. Ичган онтингизга амал қилиб, у билан уйидагиларининг ҳаммасини
олиб чиқинг.” 22 Айғоқчилик қилган кишилар бориб, Раҳобани, унинг
ота–онасини, ака–укаларини, ҳамма қариндошларини шаҳардан олиб чиқиб,
уларни Исроил қароргоҳининг ёнига, хавфсиз жойга келтирдилар*. 23 Исроил
жангчилари шаҳарни унинг ичидаги бор нарсаси билан ёндириб ташладилар.
Фақат олтин, кумуш, бронза ва темирдан ясалган идишларни Эгамизнинг уйи*
хазинасига келтирдилар. 24 Фоҳиша Раҳоба ва унинг ҳамма қариндошларини
Ёшуа сақлаб қолди, чунки Ёшуа Ерихони текшириб келиш учун юборган
айғоқчиларни у яширган эди. Унинг хонадони ўшандан бери Исроилда яшайди*.
25 Кейин Ёшуа қасам ичиб, қуйидагиларни айтди:

“Ерихо шаҳрини қайта қурмоқчи бўлган одам
Эгамиз олдида лаънати бўлсин!*
У ўз тўнғич ўғлининг жони эвазига шаҳар пойдеворин ётқизар,
Кенжа ўғлининг жони эвазига дарвозалар ўрнатар!”

26 Эгамиз Ёшуа билан бирга эди. Ёшуанинг шуҳрати бутун юртга ёйилди.

7–БОБ

Охуннинг гуноҳи

1 Аммо Исроил халқи бағишланган нарсалар* ҳақида Эгамиз берган амрни
бузди. Охун исмли бир киши бағишланган нарсаларнинг бир нечтасини олган
экан. Охун Яҳудо қабиласидан бўлиб, Зерах уруғидан бўлган Зимрининг*
невараси, Карминнинг ўғли эди. Эгамиз Исроил халқидан қаттиқ ғазабланди*.
2 Шу орада Ёшуа бир неча кишини танлаб, уларга: “Бориб, Ай шаҳрини*
текшириб келинглар”, — деди. Ай шаҳри Байтилнинг шарқида, Байт–Обун
яқинида жойлашган эди. Улар бориб, текширдилар. 3 Қайтиб келиб, Ёшуага:
“Ҳаммамиз боришимиз шарт эмас, икки–уч мингта одам чиқиб ҳужум қилса, бас.
Ай аҳолисининг сони кам, шунинг учун бутун халқ у ерга бориб овора бўлмасин”,
дедилар. 4 Шундай қилиб, уч мингтача одам шаҳарга ҳужум қилди, лекин улар Ай
аҳолисининг олдига тушиб қочдилар. 5 Айликлар шаҳардан чиқиб, Исроил
жангчиларини тош қазиладиган жойгача* қувиб бордилар. Қир ён бағрида ўттиз
олтитача Исроил одамларини ўлдирдилар. Бу ҳодисадан кейин бутун Исроил
халқининг юраги орқага тортиб кетди.
6 Шунда Ёшуа билан Исроил оқсоқоллари қайғудан кийимларини йиртиб,
бошларига тупроқ сочдилар. Эгамизнинг Сандиғи олдида ерга мук тушишди–да,
кечгача шу ҳолда қолишди. 7 Ёшуа шундай деди: “Эй Эгамиз Раббий! Нима учун бу
халқни Иордан дарёсидан олиб ўтдинг? Наҳотки бизларни Амор халқининг
қўлига бериб, йўқ қилиш учун шундай қилган бўлсанг?! Биз Иорданнинг нариги
томонида қолаверсак бўлмасмиди?! 8 Эй Раббий, яна нима ҳам дердим, мана,
Исроил халқи душманларининг олдига тушиб қочди. 9 Энди Канъон халқлари ва
мана шу ерлар аҳолисининг ҳаммаси бу ҳақда эшитиб бизни қуршаб оладилар.
Номимизни ер юзидан ўчириб юборадилар. Агар шундай бўлса, улуғворлигингни
қандай қилиб кўрсатасан?”
10 Эгамиз Ёшуага деди: “Ўрнингдан тур! Нима учун мук тушиб ётибсан?
11 Исроил халқи гуноҳ қилди, улар билан қилган аҳдимни бузди. Улар Менга
бағишланган нарсалардан ўғирлаб олишди. Бунинг устига, алдаб, ўғирланган
нарсаларни ўзларининг нарсалари орасига яшириб қўйдилар. 12 Шунинг учун
Исроил халқи душманларига бас кела олмаяпти. Чунки уларнинг ўзи ҳам йўқ
қилинадиган, Менга бағишланган нарсадай бўлиб қолган. Энди улар
душманларига мағлуб бўлиб қочадилар. Менга бағишланган нарсаларни
орангиздан йўқ қилмасангиз, Мен сизлар билан бирга бўлмайман.
13 Энди Исроил халқини покла. Уларга шундай дегин: ўзингизни эртанги кун
учун тайёрлаб, покланг. Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда:
«Эй Исроил, орангизда Менга бағишланган нарсалар бор. Орангиздаги шу
нарсаларни олиб ташламагунингизча, душманларингизга бас кела олмайсиз.»
14 Шунинг учун эрталаб барча қабилалар бирма–бир Эгамизнинг ҳузурига
келишади. Эгамиз бир қабилани танлайди*. Ана шу қабиланинг уруғлари ҳам
бирма–бир келади. Эгамиз улар орасидан бир уруғни танлайди. Ўша уруғнинг
оилалари бирма–бир келишади. Эгамиз бир оилани танлайди. Ўша оиланинг
аъзолари бирма–бир келади. 15 Лаънатланган нарсаларни олган одамни
Эгамизнинг Ўзи кўрсатади. Ўша одам бор нарсаси билан оловда ёндирилади,
чунки у Эгамиз билан қилинган аҳдни бузиб, Исроилда ақл бовар қилмайдиган
иш қилди.”
16 Шундай қилиб, эртаси куни тонгда, Ёшуанинг буйруғига кўра, Исроил
қабилалари бирма–бир Эгамизнинг ҳузурига келишди. Эгамиз Яҳудо қабиласини

танлади. 17 Энди Яҳудо қабиласининг уруғлари бирма–бир келди, шунда Зерах
уруғи танланди. Зерах уруғининг оилалари бирма–бир келганда, Зимри оиласи
танланди. 18 Зимри оила аъзолари бирма–бир келишди, Карми ўғли Охун
танланди. У Яҳудо қабиласидан бўлиб, Зерах уруғидан бўлган Зимрининг
невараси эди. 19 Ёшуа Охунга шундай деди: “Ўғлим, ҳақиқатни айтаман, деб
Исроил халқининг Худоси — Эгамизнинг номи билан қасам ич, гуноҳингни тан
олгин. Нима қилганингни яширмай менга айтиб бер.” 20 Охун Ёшуага шундай
жавоб берди: “Ҳа, тўғри. Исроил халқининг Худоси — Эгамизга қарши гуноҳ
қилган менман. 21 Ўша куни ўлжа орасида Шинардан* келтирилган чиройли
тўнни, 500 мисқол* кумуш ва оғирлиги 125 мисқол* келадиган бир бўлак тиллани
кўриб қолдим. Кўнглим тусаб, уларни олдим. Уларни чодиримнинг ичида ерга
кўмиб қўйганман, кумуш энг тагида.”
22 Ёшуа бир нечта одамни юборди. Улар чодирга югуриб бориб қарашса, у
нарсалар ростдан ҳам ўша ерда яширилган экан. Уларнинг энг тагида кумуш бор
эди. 23 Улар нарсаларни чодирдан олиб, Ёшуа ва бутун Исроил халқига олиб
келишди. Улар нарсаларни Эгамиз олдига ёйиб қўйишди. 24 Кейин Ёшуа ва бутун
Исроил халқи Зерах ўғли Охунни ўғирланган кумуш, тўн, тилла бўлаги ҳамда
ўғил–қизлари, мол–қўйлари, эшаклари, чодирию бор нарсаси билан бирга Охор
сойлигига олиб боришди. 25 Ёшуа: “Бошимизга роса ҳам кулфат келтирдинг–ку.
Мана энди бугун Эгамиз сенинг бошингга ҳам кулфат келтиради”, — деди. Бутун
Исроил халқи Охунни ва унинг оиласини тошбўрон қилиб ўлдирди–да, уларнинг
жасадларини оловда куйдирди. 26 Кейин уларнинг устига катта бир тош уюмини
тўплади, тошлар бугунгача ўша ердадир. Шунинг учун ушбу ер ўша пайтдан бери
Охор* сойлиги деб аталади. Шундан кейин Эгамиз ғазабидан тушди.

8–БОБ

Ай шаҳри мағлуб бўлади ва вайрон қилинади

1 Эгамиз Ёшуага айтди: “Қўрқма, ваҳимага тушма, барча жангга яроқли
эркакларни бошлаб, Ай шаҳрига боргин. Мана, Ай шоҳини унинг халқи, шаҳри ва
ери билан бирга сенга берганман. 2 Ерихо ва унинг шоҳини нима қилган
бўлсангиз, Ай ва унинг шоҳини ҳам худди шундай қиласизлар. Фақат шаҳардаги
мол–мулкларни ва барча чорвани ўзингизга ўлжа қилиб олсангиз бўлади.
Шаҳарнинг орқасида пистирма қўйинглар.”
3 Ёшуа ва ҳамма жангга яроқли эркаклар Айга ҳужум қилишга тайёрланишди.
Ёшуа ўз лашкари орасидан ўттиз минг жангчини танлаб олди. Тунда жўнатаётиб,
4 уларга шундай буйруқ берди:
— Бориб, шаҳарнинг орқасида пистирма қўйинг, шаҳардан узоққа борманг,
ҳаммангиз сергак бўлиб туринг. 5 Мен одамларим билан шаҳарга яқинлашаман.
Улар бизга қарши чиққанда, олдингидай биз улардан қочамиз. 6 Бизни қувиб,
душманлар шаҳардан анча узоқлашиб кетади. Улар ўзларича: “Душманларимиз
яна олдингидай биздан қочяпти”, деб ўйлашади. Биз қочаётганимизда эса
7 сизлар пистирмадан чиқиб, шаҳарни оласизлар. Эгангиз Худо уни сизларнинг
қўлингизга беради. 8 Шаҳарни олганингиздан кейин, Эгамиз буюргандай, уни
ёндирасизлар. Мана шу буйруқларни бажаринг.
9 Шу сўзлар билан Ёшуа уларни жўнатиб юборди. Улар Айнинг ғарбида — Ай
ва Байтил оралиғида пистирма қўйиб, ўша ерда кутиб ётдилар. Ўша тунни Ёшуа
қароргоҳда ўтказди.
10 Эртаси куни, тонг пайти Ёшуа жангчиларини бир жойга йиғиб,

қабилаларнинг бошлиқлари билан бирга уларни Айга бошлаб борди. 11 Барча
жангга яроқли кишилар у билан кетди. Улар шаҳарга яқинлашиб, Айнинг
шимолида қароргоҳ қуришди. Ай ва уларнинг орасида жарлик бор эди. 12 Ёшуа
беш мингга яқин одамни шаҳарнинг ғарбига, Ай ва Байтил оралиғида пистирма
қўйишга юборди. 13 Шундай қилиб, жангчилар жанговар ҳолатга келтирилди.
Уларнинг асосий қисми шаҳарнинг шимолида, қоровуллар бўлинмаси эса
шаҳарнинг ғарбида эди. Ёшуа эса ўша тунни жарликда ўтказди. 14 Буни кўрган Ай
шоҳи эртаси куни тонгда шошилиб, бутун лашкари билан Иордан водийси*
рўпарасидаги бир жойга Исроил халқига қарши жанг қилишга борди. Аммо шоҳ
шаҳарнинг орқасида ўзига қарши пистирма қўйилганини билмас эди. 15 Ёшуа ва
бутун Исроил лашкари ўзларини енгилаётгандай кўрсатиб, саҳро тарафга*
қочишди. 16 Ёшуа ва Исроил қўшинини қувиш учун Ай шаҳридаги барча эркаклар
чақирилди. Улар Ёшуа ва Исроил лашкарини қувиб, шаҳардан анча узоқлашиб
кетишди. 17 Ай ва Байтилда Исроил лашкарини қувиш учун чиқмаган бирорта ҳам
эркак қолмади. Шаҳарни қўриқлашга ҳеч кимни қолдирмай, Исроил лашкарини
таъқиб қилдилар.

18 Эгамиз Ёшуага шундай деди: “Қўлингдаги найзани Ай томонга узат, ўша
шаҳарни сенинг қўлингга бераман.” Ёшуа қўлидаги найзасини шаҳар томонга
узатди. 19 У қўлини узатиши биланоқ жангчилар пистирмадан отилиб чиқиб,
шаҳарга ҳужум қилишди. Улар шаҳарни қўлга олиб, дарров унга ўт қўйишди.
20-21 Шаҳардан тутун чиқаётганини кўрган Ёшуа ва Исроил лашкари,
“Пистирмадагилар шаҳарни олди” деб, ортига қайтган эдилар. Улар Ай
шаҳрининг одамларига ҳужум қила бошлаган эдилар. Ай лашкари орқага қараса,
ёнаётган шаҳарнинг тутуни кўкка кўтариляпти. Улар на у ёққа, на бу ёққа қоча
олардилар, чунки саҳрога қочган Исроил лашкари энди орқага бурилиб, уларга
қарши чиққан эди. 22 Исроил лашкарининг шаҳардаги қисми ҳам Ай одамларига
қарши чиққанди. Исроил лашкари уларни орқа томондан ҳам, олд томондан ҳам
ўраб олган эди. Исроил лашкари уларнинг ҳаммасини қириб ташлади. Ҳеч ким
тирик қолмади, бирортаси ҳам қочиб кета олмади. 23 Аммо Ай шоҳини
тириклайин ушлаб, Ёшуанинг ҳузурига олиб келишди.

24 Исроил лашкари шаҳар ташқарисида — саҳрода бутун Ай қўшинини қириб
ташлашди. Уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлгандан кейин Исроил лашкари Айга
бориб, у ерда қолганларнинг ҳаммасини йўқ қилди. 25 Ўша куни бутун Ай аҳолиси,
ҳаммаси бўлиб ўн икки мингта эркак ва аёл ҳалок бўлди. 26 Айда яшовчиларнинг
ҳаммаси йўқ қилинмагунча, Ёшуа найза ушлаган қўлини туширмади. 27 Эгамиз
Ёшуага буюргандай, Исроил лашкари фақатгина мол–қўй ва шаҳар аҳолисининг
мол–мулкини ўзларига ўлжа қилиб олди. 28 Ёшуа Ай шаҳрини ёндириб юборди.
Ўша шаҳар бугунгача* вайрон бўлиб ётибди. 29 Ай шоҳини эса қатл эттириб,
жасадини тик ўрнатилган ходанинг учига қоқтирди. Унинг жасади кечгача* ўша
ерда осилиб турди. Қуёш botгандан кейин, Исроил жангчилари Ёшуанинг
буйруғига кўра, жасадни ходадан тушириб, шаҳар дарвозасининг остонасига
ташладилар. Унинг устига катта тош уюми тўпладилар. Шу тош уюми бугунгача
ўша ердадир.

Ёшуа Эбал тоғида Таврот китобидан ўқийди

30 Кейин Ёшуа Исроил халқининг Худосига — Эгамизга Эбал тоғида қурбонгоҳ
қурди*. 31 У қурбонгоҳни Эгамизнинг қули Мусонинг Таврот китобидаги*
кўрсатмаларга* риоя қилган ҳолда, темир асбоб тегмаган, йўнилмаган тошлардан
қурган эди. Халқ ўша қурбонгоҳда Эгамизга куйдириладиган қурбонлик ва
тинчлик қурбонликлари келтирди. 32 Ўша ерда — Исроил халқининг кўзи олдида

Ёшуа тошларга Мусо ёзган қонунларнинг нусхасини ёзди.
33 Қабила оқсоқоллари, назоратчилари, ҳакамлари, бутун Исроил халқи ва
уларнинг орасида яшаётган қондош бўлмаган одамлар Эгамизнинг Аҳд сандиғи
қаршисида — уни кўтариб турган леви руҳонийларининг олдида туришди.
Халқнинг ярми Гаризим тоғи этагида, ярмиси Эбал тоғи* этагида турарди.
Эгамизнинг қули Мусо, Исроил халқини дуо қилиш вақти келганда шундай
қилинглар, деб буюрган эди*. 34 Кейин Ёшуа Таврот китобида ёзилгандай,
қонунларнинг ҳар бир сўзини, барака ва лаънатларга оид парчаларни ўқиди.
35 Бутун Исроил жамоаси олдида, аёллару болалар, Исроил халқи орасида
яшаётган, уларга қондош бўлмаганлар олдида, Мусо уларга буюрган қонунларни
Ёшуа битта қолдирмай ўқиди.

9–БОБ

Гивонликлар Ёшуани алдашади

1 Иордан дарёсининг ғарб томонида турадиган барча шоҳлар Ёшуанинг
ғалабалари ҳақида эшитишган эди. Улар қирларда, қирларнинг этакларида, бутун
Ўрта ер денгизи* қирғоғи бўйлаб, то шимолдаги Лубнонгача бўлган жойда
яшайдиган Хет, Амор, Канъон, Париз, Хив ва Ёбус халқларининг шоҳлари эдилар.
2 Ўша шоҳлар ўз қўшинларини бирлаштириб, Ёшуа ва бутун Исроил халқига
қарши жанг қилишга тўпладилар.
3 Аммо Гивон* аҳолиси Ёшуанинг Ерихо ва Ай шаҳарларини нималар қилгани
ҳақида эшитиб, 4 айёрлик билан иш тутди. Улардан бир нечтаси йўлга
тайёргарлик кўриб*, ўз эшакларига эски хуржунларни ва йиртилиб ямалган эски
мешларни юкладилар. 5 Оёқларига эски, ямалган оёқ кийимлар, устиларига эса
жулдур кийимлар кийишди. Улар олган нонларнинг суви қочиб, моғор босган эди.
6 Улар Гилгалдаги қароргоҳга* бориб, Ёшуа ва бутун Исроил халқига:
— Биз жуда ҳам олис бир юртдан келдик, биз билан сулҳ тузинглар, —
дейишди. 7 Аммо Исроил халқи Хив халқидан бўлган бу одамларга* шундай деди:
— Балки сизлар бизга яқин жойда яшарсизлар, биз қандай қилиб сизлар
билан сулҳ тузамиз?*
8 Шунда улар Ёшуага:
— Биз сизларнинг қулларингизмиз, — дейишди. Ёшуа эса улардан:
— Сизлар кимсизлар? Қаердан келдингизлар? — деб сўради. 9 Улар Ёшуага
шундай деб жавоб беришди:
— Биз сизнинг қулларингизмиз, Эгангиз Худони деб жуда ҳам узоқ бир
юртдан келдик. Биз сизнинг Худойингиз ҳақида эшитдик. У Мисрда нима
қилганини, 10 Иорданнинг шарқидаги Амор халқларининг икки шоҳини —
Хашбон шоҳи Сихўнни ва Аштарўтда яшаган Башан шоҳи Ўгни нималар
қилганини* эшитдик. 11 Шунинг учун оқсоқолларимиз ва юртимиз аҳолиси бизни
сизларнинг олдингизга юбориб: “Узоқ сафарга тайёрланинглар. Исроил халқи
олдига етиб боргач, бизнинг халқимиз уларга қул эканлигини айтиб, улар билан
сулҳ тузиб келинглар”, деб тайинлашди. 12 Мана, нонимизга қаранг, йўлга
чиққанимизда иссиққина эди, энди эса суви қочиб, моғор босиб қолган. 13 Мана бу
мешлар шаробга тўлдирганимизда янги эди, энди эса қаранг, ёрилиб кетган,
уст–бошимиз ва оёқ кийимларимиз ҳам йўл узоқлигидан эскириб кетди.
14 Исроил оқсоқоллари уларнинг озиқ–овқатларини текшириб кўрдилар,
Эгамиздан эса йўл–йўриқ сўрамадилар. 15 Ёшуа улар билан тинчлик сулҳини
тузди. Жамоа оқсоқоллари уларни ўлдирмасликка қасам ичиб, сулҳни

маъқулладилар.

16 Сулҳ тузилгандан кейин уч кун ўтгач, Исроил халқи Гивонликлар ўзларига
яқин жойда яшашларини эшитиб қолди. 17 Исроил халқи йўлга чиқиб уларнинг
шаҳарларига уч кунда етиб боришди. Гивон, Хафира, Барўт ва Хират–Йўрим*
уларга қарашли шаҳарлар эди. 18 Аммо Исроил халқи уларга ҳужум қилмади,
чунки жамоа оқсоқоллари Исроил халқининг Худоси — Эгамиз номи билан қасам
ичиб, уларга ваъда беришган эди. Шунда бутун жамоа минғиллаб, оқсоқолларга
нолиди. 19 Оқсоқоллар жамоага шундай дедилар:

— Биз уларга Исроил халқининг Худоси — Эгамиз номи билан қасам ичиб
ваъда берганмиз, энди биз уларга тегмаслигимиз керак. 20-21 Майли,
яшайверишсин, ичган қасамимизни бузиб, бошимизга Эгамизнинг ғазабини
келтирмайлик. Аммо Гивонликлар бутун жамоа учун ўтин ёрувчи ва сув ташувчи
бўлиб қолсинлар.

Шундай қилиб, оқсоқоллар Гивонликларга нисбатан ўз ваъдасида қолдилар.

22 Ёшуа Гивонликларни чақириб сўради:

— Бизга яқин жойда яшаркансиз. Нимага, сизлардан узоқ жойда яшаймиз, деб
бизни алдадингиз? 23 Шунинг учун энди сизлар лаънатисизлар, то абад
Худойимнинг уйи* учун ўтин ёрувчи, сув ташувчи қул бўлиб қоласизлар.

24 Улар Ёшуага жавоб бердилар:

— Биз аниқ эшитдик, Эгангиз Худо Ўзининг қули Мусога бутун юртни
сизларга бериб, унинг бутун аҳолисини қириб ташлашни буюрибди. Ўз
жонимизни ўйлаб, сизлардан қўрққанимиздан шу ишни қилдик. 25 Энди биз
сизнинг қўлингиздамиз, нима тўғри ва нима яхши, деб ўйласангиз, бизни шундай
қилинг.

26 Исроил халқи Гивонликларни ўлдиришига Ёшуа йўл қўймади. 27 Аммо ўша
куни Ёшуа уларни қурбонгоҳ ва Исроил жамоаси учун ўтин ёрувчи ва сув ташувчи
қилиб қўйди. Эгамизнинг қурбонгоҳи қаерда қурилишидан қатъий назар, улар
ўша вазифаларни бажарадиган бўлишди. Ҳатто бугунгача* уларнинг вазифаси
шудир.

10–БОБ

Исроил халқи жанубдаги шоҳларни мағлуб қилади

1 Қуддус* шоҳи Одонисидиқ эшитдики, Ёшуа Ай шаҳрини қўлга киритибди,
уни бутунлай вайрон қилибди, Ерихо ва унинг шоҳини нималар қилган бўлса, Ай
шаҳрини ва унинг шоҳини ҳам шундай қилибди. Гивонликлар ҳам Исроил халқи
билан сулҳ тузганини, энди улар билан тинч–тотув яшаётганларини Одонисидиқ
эшитиб, 2 жуда қўрқиб кетди. Ахир, Гивон шаҳри улкан шаҳар бўлиб, ўз шоҳига
эга бўлган шаҳарлардай катта, Ай шаҳридан ҳам каттароқ эди–да. Гивон
аҳолисининг барча эркаклари ҳам жуда моҳир жангчи эдилар. 3 Хеврон шоҳи
Хўҳам, Ярмут шоҳи Пиром, Лахиш шоҳи Ёфия ва Эглон* шоҳи Дабир Қуддус шоҳи
Одонисидиқдан шундай хабар олишди: 4 “Келиб, менга ёрдам беринг. Бирга
Гивонга ҳужум қилайлик, чунки улар Ёшуа ва бутун Исроил халқи билан сулҳ
тузибди.” 5 Шунда Қуддус шоҳи, Хеврон шоҳи, Ярмут шоҳи, Лахиш шоҳи ва Эглон
шоҳи — Амор халқларининг бешала шоҳлари кучларини йиғдилар. Барча
қўшинлари билан Гивонни ўраб олиб, ҳужум қилдилар.

6 Гивонликлар Ёшуага — Гилгалдаги қароргоҳга шундай хабар юбордилар:
“Қирлардаги ҳамма Амор шоҳлари ўз қўшинлари билан бизларга қарши чиқишди.
Қулларингизни тарк этманг! Тез келиб бизларни қутқаринг, бизга ёрдам беринг.”

7 Ёшуа бутун лашкари билан Гилгалдан чиқди. Уларнинг орасида энг зўр
жангчилар ҳам бор эди. 8 Эгамиз Ёшуага шундай деди: “Улардан қўрқма, уларни
сенинг қўлингга берганман, уларнинг бирортаси ҳам сенга бас кела олмайди.”
9 Ёшуа ўз лашкари билан Гилгалдан* чиққандан кейин туни билан йўл босиб,
Амор қўшинларининг устига тўсатдан бостириб борди. 10 Бутун Исроил лашкари
олдида Эгамиз Амор қўшинларини ваҳимага солди. Исроил лашкари Гивонда
уларнинг кўпларини қиличдан ўтказди. Байт–Хўронга чиқадиган йўл билан
қувиб, то Озикаҳ ва Маккедога етиб* боргунча йўлда Амор қўшинларини йўқ
қилди.
11 Улар Исроил лашкаридан қочиб, Байт–Хўрондан пастга тушаётганларида, то
Озикаҳга етгунларича Эгамиз осмондан уларнинг устига йирик–йирик дўл
ёғдирган эди. Уларнинг кўплари дўл остида ҳалок бўлди. Исроил лашкарининг
қиличидан ҳалок бўлганлардан кўра, дўл уриб ўлганлар кўпроқ эди.
12 Эгамиз Амор халқларини Исроил лашкарининг қўлига берган куни Ёшуа
Эгамизга гапириб, бутун Исроил халқи олдида шундай деди:

“Эй қуёш, тек тургин Гивон шаҳрида,
Оймомо, сен эса Ойжавлон водийсида*.”

13 Халқ ўз душманларидан қасос олмагунча, қуёш ҳам, ой ҳам қимирламай,
осмонда тўхтаб тураверди. “Ёшур” китобида* шу ҳақида ёзилган. Қуёш осмоннинг
ўртасида тўхтаб, кун бўйи ботмай турди. 14 Ўша куни Исроил халқи учун
Эгамизнинг Ўзи жанг қилди. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам Эгамиз инсоннинг
илтижосига жавоб берган бундай кун бўлмаган.
15 Шундан кейин Ёшуа ва бутун лашкар Гилгалдаги қароргоҳга қайтиб
кетишди.

Ёшуа жанубдаги бешта шоҳни ўлдиради

16 Бешала шоҳ қочиб, Маккедодаги ғорга яшириниб олишган эди. 17 Ёшуага:
“Бешта шоҳ топилди, улар Маккедодаги ғорнинг ичига яшириниб олишган экан”,
деб айтишди. 18 Ёшуа шундай деди: “Катта тошлар олиб, ғорнинг оғзини
ёпинглар. Шоҳлар чиқиб кетмаслиги учун у ерга қўриқчилар тайинланглар,
19 лекин ҳаммангиз ҳам ўша ерда қолиб кетманг. Душман лашкарларини қувиб,
уларга орқадан ҳужум қилинг. Уларни ўз шаҳарларига киришларига йўл қўйманг,
чунки Эгангиз Худо душманларни сизнинг қўлингизга берган.” 20 Ёшуа ва бутун
Исроил лашкари душманларнинг деярли ҳаммасини қиличдан ўтказди. Фақат
бир–иккитасигина ўз мустаҳкам шаҳарларига қочиб бориб, тирик қолди. 21 Бутун
Исроил лашкари Маккедодаги қароргоҳга соғ–саломат қайтиб борди. Шундан
кейин ўша ердагилардан ҳеч ким Исроил халқига қарши гапиришга журъат эта
олмади.
22 Ёшуа: “Ғорнинг оғзини очиб, бешта шоҳни менинг олдимга олиб келинглар”,
деб буюрди. 23 Унинг айтганини қилиб, бешта шоҳни — Қуддус, Хеврон, Ярмут,
Лахиш ва Эглон шаҳарларининг шоҳларини ғордан олиб чиқиб, унинг олдига
олиб келишди. 24 Ёшуа бутун Исроил жангчиларини йиғиб, ўша бешта шоҳни ерга
ётқизди. Жангчиларнинг бошлиқларига эса шундай деди: “Яқинроқ келиб,
оёқларингизни шоҳларнинг бўйинларига қўйинглар.” Улар келиб, оёқларини
шоҳларнинг бўйинларига қўйдилар. 25 Ёшуа гапида давом этди: “Энди қўрқманг,
ваҳимага тушманг, фақатгина дадил ва ботир бўлинглар. Эгамиз сизга қарши
чиқадиган ҳамма душманларни шу кўйга солади.” 26 Шундан кейин Ёшуа
шоҳларни ўлдириб, уларнинг жасадларини тик ўрнатилган бешта ходанинг учига

қоқтирди. Жасадлар кечгача ходаларда осилиб турди. 27 Қуёш ботганда, Ёшуанинг буйруғига кўра, шоҳларнинг жасадларини ходалардан тушириб, илгари ўша шоҳлар яширинган ғорнинг ичига ташладилар. Ғорнинг оғзини эса катта–катта тошлар билан ёпиб қўйдилар. Ўша тошлар бугунгача ўша ердадир.

Ёшуа жанубдаги шаҳарларни вайрон қилади

28 Ёшуа ўша куни Маккедо шаҳрини* босиб олди, унинг аҳолисини шоҳи билан бирга қиличдан ўтказди. Шаҳардаги ҳар бир кишини йўқ қилди, у ерда бирорта ҳам тирик жон қолмади. Ерихонинг шоҳини нима қилган бўлса, Маккедонинг шоҳини ҳам шундай қилди.

29 Кейин Ёшуа бутун Исроил лашкари билан Маккедодан Либна шаҳрига бориб, Либнага ҳужум қилди. 30 Эгамиз Либна ва унинг шоҳини ҳам Исроил лашкарининг қўлига берди. Улар бутун шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказиб, бирорта ҳам тирик жон қолдирмадилар. Ерихо шоҳини нима қилишган бўлса, Либна шоҳини ҳам шундай қилишди.

31 Ёшуа ва барча Исроил жангчилари Либнадан Лахиш шаҳрига бордилар. Шаҳарни қуршовга олиб, ҳужум қилишди. 32 Эгамиз Лахишни Исроил лашкарининг қўлига берди. Улар иккинчи куни шаҳарни босиб олишди. Худди Либнадагидай бу шаҳарнинг ҳам бутун аҳолисини қиличдан ўтказишди.

33 Гезер шаҳрининг шоҳи Хўром Лахиш шаҳрига ёрдамга келган эди, Ёшуа Хўромни ва унинг бутун қўшинини бирорта ҳам тирик жон қолдирмай йўқ қилди.

34 Исроил лашкари Ёшуа билан Лахишдан чиқиб Эглон шаҳрига борди. Уни ҳам қуршовга олиб, ҳужум қилди. 35 Худди Лахишдагидай Эглонни ҳам бир кун ичида босиб олиб, унинг барча аҳолисини йўқ қилди.

36 Бундан кейин Ёшуа билан Исроил лашкари Эглондан Хеврон шаҳрига боришди. Ўша шаҳарга ҳужум қилишди. 37 Хевронни қўлга олиб, унинг шоҳини, бутун аҳолисини, ҳатто атрофидаги қишлоқларнинг аҳолисини ҳам бутунлай йўқ қилдилар. Худди Эглондагидай битта ҳам тирик жон қолдиришмади.

38 Кейин Ёшуа бутун Исроил лашкари билан Давир шаҳрига бориб, унга ҳужум қилди. 39 Шаҳарни қўлга киритиб, унинг шоҳи, бутун аҳолиси ва ҳатто атрофидаги қишлоқларнинг аҳолисини ҳам бутунлай йўқ қилди. Хеврон, Либна шаҳарлари ва уларнинг шоҳларига нима қилган бўлса, Давир ва унинг шоҳини ҳам худди шундай қилиб, шаҳарда бирорта ҳам тирик жонзот қолдирмади.

40 Ёшуа бутун юртни — қирларнию Нагав чўлини*, ғарбдаги қир этакларини, шарқдаги қир ён бағирларини босиб олди ва у ерларнинг шоҳларини мағлуб қилди. Исроил халқининг Худоси — Эгамиз буюргандай, Ёшуа ҳеч кимни тирик қолдирмади, ҳаммани қириб ташлади. 41 Ёшуа Кадеш–Барнадан Ғазогача бўлган шаҳарларни, бутун Гўшен ерларини*, шимолдаги Гивонгача бўлган ерларни босиб олди. 42 Ёшуа бу шоҳлар ва уларнинг ерларини бир юришдаёқ босиб олди, чунки Исроил халқининг Худоси — Эгамиз Ўз халқи учун жанг қилди. 43 Кейин Ёшуа Исроил лашкари билан бирга Гилгалдаги қароргоҳга қайтиб борди.

11–БОБ

Исроил халқи шимолдаги шоҳларни мағлуб қилади

1 Хазор шаҳрининг* шоҳи Ёбин Ёшуанинг ғалабалари ҳақида эшитди. У қуйидаги шоҳларга шошилинч хабар юборди: Мадон шоҳи Йўвовга, Шимрон шоҳига, Ахшоф шоҳига, 2 шимолдаги қирларнинг шоҳларига, Жалила кўлининг* жанубидаги Иордан водийсининг* шоҳларига, ғарбдаги қир этаклари ва Нафўт–Дўр шоҳларига, 3 шарқ ва ғарбдаги Канъон халқларининг шоҳларига,

Амор, Хет, Париз халқларининг шоҳларига, қирлардаги Ёбус шоҳларига, Миспах
еридаги* Хермон тоғининг этагида яшайдиган Хив халқига. 4 Улар бутун
лашкарлари, жуда кўп отларию жанг араваларини тўплаб, Исроил халқига қарши
жанг қилиш учун йиғилишди. Уларнинг жангчилари денгиз қирғоғидаги қумдай
сон–саноқсиз эди. 5 Исроил халқи билан жанг қилишга мана шу шоҳларнинг
ҳаммаси лашкарларини бирлаштиришди. Улар Миром* сувлари олдида қароргоҳ
қурдилар.
6 Эгамиз Ёшуага шундай деди: “Улардан қўрқмагин! Мен Ўзим уларни Исроил
халқининг қўлига бераман, эртага шу пайтда уларнинг ҳаммаси ўлган бўлади.
Уларнинг отларини майиб қилинглар, жанг араваларини ёндиринглар.” 7 Ёшуа
ўзининг бутун лашкари билан Миромга бориб, душман қўшинлари устига
тўсатдан ҳужум қилди. 8 Эгамиз Исроил лашкарига душманлари устидан ғалаба
берди. Исроил лашкари душманларини шимол томонда Буюк Сидон ва
Мисрафўт–Майимгача, шарқ томонда эса Миспах водийсигача* қувиб бориб,
уларнинг ҳаммасини ҳалок қилди. Душманларнинг бирортаси ҳам тирик
қолмади. 9 Ёшуа Эгамиз буюргандай уларнинг отларини майиб қилди, жанг
араваларини ёндириб ташлади.
10 Ўшандан кейин Ёшуа ўз лашкари билан орқага қайтиб, Хазор шаҳрига борди.
Уни қўлга киритиб, шоҳини ҳалок қилди. У пайтда Хазор ўша шоҳликлар орасида
энг қудратлиси эди. 11 Исроил лашкари шаҳар аҳолисининг ҳаммасини бутунлай
йўқ қилди. У ерда бирорта ҳам тирик жон қолмади. Шаҳарни эса ёндириб
ташлашди. 12 Ёшуа билан Исроил лашкари ўша шаҳарларнинг ҳаммасини босиб
олиб, уларнинг шоҳларию барча аҳолисини қиличдан ўтказди. Эгамизнинг қули
Мусо буюргандай, уларни бутунлай вайрон қилди. 13 Исроил лашкари
тепаликларда* қурилган шаҳарлардан фақатгина Хазор шаҳрини ёндириб
ташлади. 14 Исроил лашкари шаҳарлардаги мол–мулкларни ва барча чорвани
ўзларига ўлжа қилиб олдилар. Аммо шаҳарларнинг барча аҳолисини қиличдан
ўтказдилар. У ерда бирорта ҳам тирик жон қолмади. 15 Эгамиз Ўз қули Мусога
берган амрларни Мусо Ёшуага етказган эди. Ёшуа Мусо айтгандай қилиб, барча
амрларни битта қолдирмай бажарди.

Ёшуа қўлга киритган ерлар

16 Шундай қилиб, Ёшуа бутун юртни — жанубий қирлару ўша қирларнинг
этакларини, бутун Нагав чўлини*, бутун Гўшен ерларини*, Иордан водийсини,
шимолий қирлар ва ўша қирларнинг этакларини босиб олди. 17 Исроил халқи
босиб олган ернинг жанубий чегараси Сеир* ёнидаги Халак тоғи эди, шимолдаги
чегараси эса Хермон тоғининг этагида жойлашган Лубнон водийсидаги Баал–Гад
шаҳри эди. Ёшуа ўша ерларнинг шоҳларини мағлуб қилиб, ҳаммасини ҳалок
қилди. 18 Бу шоҳларни мағлуб қилгунча, Ёшуа узоқ вақт улар билан уруш қилган
эди. 19 Гивондаги Хив халқидан ташқари* ҳеч бир шаҳар аҳолиси Исроил халқи
билан сулҳ тузмаган эди. Уларнинг ҳаммаси жангда мағлуб бўлишди. 20 Эгамиз
ўша халқларни ўжару такаббур қилиб қўйгани учун, улар Исроил халқига қарши
жанг қилавердилар. Эгамиз Мусога буюргандай, Исроил лашкари уларни
бутунлай йўқ қилиб, шафқатсизларча ўлдиришлари учун шундай қилган эди.
21 Ўша пайтда Ёшуа қирларда яшаган Оноқ авлодини* йўқ қилиб ташлади.
Улар Хеврон, Давир, Онов шаҳарларида, бутун жанубий ва шимолий қирларда
яшардилар. Ёшуа уларни ўлдириб, шаҳарларини вайрон қилди. 22 Исроил
халқининг юртида Оноқ авлодидан ҳеч ким қолмади, фақатгина Ғазо, Гат ва
Ашдод шаҳарларида* бир нечтаси қолди. 23 Шундай қилиб, Мусога Эгамиз
айтгандай, Ёшуа бутун юртни қўлга киритди. Ёшуа бу ерларни Исроил халқининг

қабилаларига мулк қилиб берди. Энди юртда тинчлик барқарор бўлди.

12–БОБ

Иордан дарёсининг шарқида Мусо мағлуб қилган шоҳлар

1 Мусо бошчилигида Исроил халқи Иордан дарёсининг шарқида бўлган
шоҳларни мағлуб қилиб, уларнинг ерларини эгаллаб олган эди. Бу шоҳлар
жанубдаги Арнон сойлигидан шимолдаги Хермон тоғигача бўлган ерларда
ҳукмронлик қилган эди. Уларнинг ерлари Иордан водийсининг* шарқидаги барча
ерларни ўз ичига олар эди.
2 Исроил халқи мағлуб қилган шоҳлардан бири Амор халқининг шоҳи Сихўн*
эди. У Хашбон шаҳрида яшаган эди. Унинг шоҳлиги Арнон сойлигининг четида
жойлашган Арор шаҳрини ва ўша сойликнинг ўртасидан то Явоқ дарёсигача
чўзилган жойларни, яъни Гиладнинг ярмини ўз ичига олар эди. Явоқ дарёси
Оммон халқи еринининг чегараси эди. 3 Сихўн Иордан водийсининг шарқ томонида
ҳам ҳукмронлик қилган эди. Бу ҳудуд шимол томонда Жалила кўлининг* ғарбий
қирғоқларигача, жануб томонда Ўлик денгизгача*, Байт–Яшимўтдан Фисгах тоғ
тизмасининг ён бағирларигача бўлган жойларни ўз ичига олар эди.
4 Мағлуб бўлган Башан шоҳи Ўг* ўз шаҳарлари Аштарўт ва Эдрейда яшарди. У
Рафа халқининг* омон қолганларидан бири эди. 5 Унинг шоҳлиги шимолдаги
Хермон тоғигача, шарқдаги Салко шаҳригача чўзилиб, ғарбдаги Гашур ва Махо
шоҳликларининг чегараларигача етиб борган Башан ўлкасини ҳам ўз ичига олган
эди. Бу шоҳлик яна Гиладнинг шимолий ярмини ҳам ўз ичига олиб, Хашбон шоҳи
Сихўн ҳудуди чегарасигача етиб борарди. 6 Эгамизнинг қули Мусо ва Исроил
халқи мана шу икки шоҳни мағлуб қилиб, уларнинг ерларини эгаллаб олишган
эди. Мусо шу ерларни Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярмига
мулк қилиб берган эди.

Иордан дарёсининг ғарбида Ёшуа мағлуб қилган шоҳлар

7 Иорданнинг ғарбида — шимолдаги Лубнон водийсида жойлашган
Баал–Гаддан тортиб, жанубдаги Сеир* ёнида жойлашган Халак тоғигача бўлган
жойларда яшаган шоҳларни Исроил халқи Ёшуа бошчилигида мағлуб қилди. Ўша
шоҳларнинг ерларини Ёшуа Исроил қабилаларига мулк қилиб бўлиб берди.
8 Қирларни, ғарбдаги қир этакларини, Иордан водийсини, унинг ғарбидаги қир ён
бағирларини, Яҳудо адирларидаги ва Нагав чўлидаги* ерларни бўлиб берди. Бу
ерларда Хет, Амор, Канъон, Париз, Хив ва Ёбус халқлари яшашарди. Исроил халқи
мағлуб қилган шоҳлар қуйидагилардир:

9 Ерихо шоҳи,
Байтилнинг ёнидаги Ай шоҳи,
10 Қуддус шоҳи,
Хеврон шоҳи,
11 Ярмут шоҳи,
Лахиш шоҳи,
12 Эглон шоҳи,
Гезер шоҳи,
13 Давир шоҳи,
Гедер шоҳи,
14 Хўрмах шоҳи,
Арод шоҳи,

15 Либна шоҳи,
Адуллам шоҳи,
16 Маккедо шоҳи,
Байтил шоҳи,
17 Таппух шоҳи,
Хафер шоҳи,
18 Офоқ шоҳи,
Шарон шоҳи,
19 Мадон шоҳи,
Хазор шоҳи,
20 Шимрон–Марон шоҳи,
Ахшоф шоҳи,
21 Танах шоҳи,
Магидў шоҳи,
22 Кедеш шоҳи,
Кармилдаги Ёхнаём шоҳи,
23 Нафўт–Дўрдаги* Дўр шоҳи,
Гилгалдаги* Гўйим шоҳи,
24 Тирза шоҳи.

Исроил халқи ҳаммаси бўлиб ўттиз битта шоҳни мағлуб қилди.

13–БОБ

Исроил халқи ҳали босиб олмаган ерлар

1 Йиллар ўтиб, Ёшуа анча кексайиб қолган пайтда, Эгамиз унга шундай деди:
“Сен қаридинг, ёшинг ҳам ўтиб қолди, лекин Мен сизларга берган юртнинг кўп
жойлари ҳали босиб олинмаган. 2 Исроил халқи ҳали қуйидаги ерларни
эгалламаган: бутун Филист ва Гешир халқининг ерлари, 3 яъни Мисрнинг шарқий
чегарасидаги Шихор ирмоғидан* шимолдаги Эхрон чегараларигача бўлган ерлар.
Ҳозир бу ерлар Канъон халқига тегишли. У ерларда Филист халқининг бешта
ҳукмдори яшайди. Улар қуйидаги шаҳарларда ҳукмронлик қилади: Ғазо, Ашдод,
Ашқалон, Гат ва Эхрон. Жанубдаги Авим халқининг* ерлари ҳам ҳали босиб
олинмаган. 4 Шимолда эса Исроил халқи ҳали Канъон халқининг барча ерларини
босиб олмаган. Бу ерлар Сидон халқига тегишли бўлган Мерах шаҳрини ўз ичига
олиб, шимол томонга, Амор халқи ерларининг чегарасидаги Офоқ* деган жойгача
чўзилади. 5 Исроил халқи яна Габолликларнинг* ерларини, Лубнон тоғли
ерларининг шарқ томонини — Хермон тоғининг этагидаги Баал–Гаддан
Лево–Хоматгача* бўлган жойларни қўлга киритмаган. 6 Улар Лубнондан
Мисрафўт–Майимгача бўлган қирларнинг аҳолисини — барча Сидонликларни
ҳам ҳали мағлуб қилмаган. Мен Ўзим мана шу халқларни бу юртдан, Исроил
халқининг олдидан ҳайдайман. Мен сенга буюрганимдай, мана шу ерларни
албатта Исроил халқига мулк қилиб бергин. 7 Хуллас, мана шу ерларни қолган
тўққизта қабилага ва Манаше қабиласининг ярмига* мулк қилиб бўлиб бергин.”

Иордан дарёсининг шарқидаги ерлар

8 Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг бошқа ярми Иордан
дарёсининг шарқида ўз улушларини олиб бўлган эдилар. Уларга бу ерларни
Эгамизнинг қули Мусо берган эди. 9 Уларнинг ҳудуди жанубдаги Арнон
сойлигининг четида жойлашган Арор шаҳридан тортиб, сойликдаги* шаҳаргача

чўзилиб, Мидаводан Дибонгача бўлган бутун ясси тепаликни ўз ичига олади. 10 Бу
ҳудуд Хашбон шаҳрида ҳукмронлик қилган Амор халқининг шоҳи Сихўн қўли
остида бўлган ҳамма шаҳарларни, Оммон халқининг чегарасигача бўлган ерларни
ўз ичига оларди. 11-12 Булардан ташқари, Гашур ва Махо халқларининг ерлари,
шунингдек, шоҳ Ўгнинг бутун шоҳлиги, чунончи, Гилад ўлкаси, шимолдаги бутун
Хермон тоғи ва шарқдаги Салкогача бўлган бутун Башан ўша ҳудудга кирар эди.
Шоҳ Ўг Рафа халқининг* энг охирги авлоди бўлиб, Башан ўлкасининг Аштарўт ва
Эдрей шаҳарларида ҳукмронлик қилган эди. Мусо ўша ерларни босиб олиб,
халқларини ҳайдаб чиқарган эди. 13 Лекин Исроил халқи Гашур ва Махо
халқларини ҳайдаб чиқармади, улар бугунгача Исроил халқи орасида яшайдилар.
14 Фақатгина Леви қабиласига Мусо улуш қилиб ер бермади. Эгамиз айтгандай,
қурбонгоҳда Исроил халқининг Худоси — Эгамизга атаб куйдириладиган
қурбонликлар Леви қабиласининг улушидир*.

Рубен қабиласининг ҳудуди

15 Мусо Рубен қабиласига уруғлари бўйича улуш берган эди. 16 Уларнинг
ҳудуди жанубдаги Арнон сойлигининг четида жойлашган Арор шаҳридан тортиб,
сойликдаги шаҳаргача чўзилиб, Мидаво атрофидаги бутун ясси тепаликни ўз
ичига оларди. 17 Мана шу ҳудуд Хашбон шаҳрини ва ясси тепаликда жойлашган
қуйидаги ҳамма шаҳарларни ўз ичига олар эди: Дибон, Бомўт–Баал ва
Байт–Баал–Миён, 18 Яхаз, Кадамўт, Мифат, 19 Хиратайим, Сивмо ва Иордан
водийсида жойлашган қирнинг устидаги Зарет–Хашахар, 20 Байт–Пиёр, Фисгах
тоғ тизмасининг ён бағирлари, Байт–Яшимўт шаҳарлари. 21 Рубен қабиласининг
ерлари ясси тепалик устидаги барча шаҳарлар, Хашбонда ҳукмронлик қилган
Амор халқининг шоҳи Сихўннинг бутун шоҳлигини ўз ичига оларди. Мусо
Сихўнни ва у билан иттифоқ тузган Мидиён ҳукмдорларини мағлуб қилганди.
Уларнинг исмлари Эви, Раҳем, Зур, Хур ва Раба эди. 22 Исроил халқи яна Бавўр
ўғли Баломни* ҳам қиличдан ўтказган эди. У фолбинлик билан шуғулланар эди.
23 Рубен қабиласи ҳудудининг ғарбий чегараси Иордан дарёси ва унинг
қирғоқлари эди. Мана шу ерлар Рубен қабиласига мулк қилиб берилган эди.

Гад қабиласининг ҳудуди

24 Мусо Гад қабиласига ҳам уруғлари бўйича улуш берди. 25 Язир шаҳри, Гилад
ўлкасидаги ҳамма шаҳарлар, Рабба шаҳрининг* шарқидаги Арор шаҳригача*
бўлган Оммонлар еринг ярми уларнинг ҳудудига кирар эди. 26 Уларнинг ери
яна жанубдаги Хашбон шаҳридан шимол томондаги Рамат–Миспи ва Батоним
шаҳарларигача, шунингдек, шимолдаги Моханайимдан Дебиргача чўзилган эди.
27 Гад қабиласининг ери Иордан водийсида Байт–Харам, Байт–Нимро, Сухот,
Зофун шаҳарларини ҳамда Хашбон ҳукмдори бўлган Сихўн шоҳининг қолган
шоҳлигини ҳам ўз ичига олар эди. Бу ҳудуднинг ғарбий чегараси Иордан дарёси
бўлиб, шимолдаги Жалила кўлигача* чўзилган эди. 28 Мана шу ҳудуддаги
шаҳарлар ва атрофларидаги қишлоқлар Гад қабиласига мулк қилиб берилган эди.

Иордан шарқидаги Манаше қабиласининг ярмига берилган ерлар

29 Мусо Манаше қабиласининг ярмига ҳам уруғлари бўйича улуш берган эди.
30 Уларнинг ҳудуди Моханайим шаҳридан шимолга чўзилиб, бутун Башан
ўлкасини ва Ёвир босиб олган олтмишта шаҳарни ўз ичига олар эди. Башан шоҳи
Ўг мана шу жойларда ҳукмронлик қилган эди. 31 Гилад ўлкасининг ярми,
Башандаги Ўг шоҳлигининг пойтахт шаҳарлари Аштарўт ва Эдрей ҳам уларнинг
ҳудудига кирар эди. Бу ерлар Манаше ўғли Мохирдан келиб чиққан наслнинг
ярмига берилган эди.

32 Иорданнинг шарқида, Мўаб текислигида, Ерихонинг рўпарасида Мусо бўлиб
берган улушлар мана шулардир. 33 Лекин Леви қабиласига Мусо улуш қилиб ер
бермаган эди. Исроил халқининг Худоси — Эгамиз уларга: “Мен Ўзим сизларнинг
улушингиз бўламан”, деб ваъда берган эди*.

14–БОБ

Иордан дарёсининг ғарбидаги ерлар тақсимланади

1 Иордан дарёсининг ғарбидаги Канъон юрти ерларидан Исроил халқининг
қолган қабилалари мулк олдилар. Руҳоний Элазар*, Нун ўғли Ёшуа ва Исроил
қабилаларининг бошлиқлари бу ерларни қабилаларга бўлиб беришди. 2 Иордан
дарёсининг ғарбида мана шу тўққиз қабила ва битта қабила ярмининг улушлари,
Мусога Эгамиз буюргандай, қуръа ташлаб белгиланди*. 3-4 Иорданнинг шарқида
эса Мусо икки қабилага ва битта қабиланинг ярмига улуш бериб бўлганди.
Юсуфнинг иккала ўғли — Манаше ва Эфрайимдан икки қабила келиб чиққан эди.
Аммо Исроил қабилалари орасида Леви қабиласи ҳеч қандай улуш олмади*.
Уларга фақат ўзлари яшаши учун шаҳарлар ва қўй–молларини боқиш учун
шаҳарлар атрофидаги яйловлар берилди. 5 Шундай қилиб, Эгамиз Мусога
буюргандай, Исроил халқи ерларни бўлиб олдилар.

Хеврон Холибга берилади

6 Бир куни Яҳудо қабиласидан бир неча киши Ёшуанинг олдига келди. Исроил
халқининг ҳаммаси ҳали ҳам Гилгалдаги қароргоҳда эди. Ханаз уруғидан бўлган
Яфунах ўғли Холиб* ўша кишилар орасида эди. У Ёшуага шундай деди:

— Кадеш–Барна шаҳрида бўлганимизда, Худонинг одами Мусо сиз ва мен
ҳақимизда нима деганини биласиз. Мусо Эгамиз номидан гапирган эди.
7 Эгамизнинг қули Мусо мени Кадеш–Барнадан мана шу ерларни текшириб келиш
учун юборганда қирқ ёшда эдим. Мен қайтиб келиб, унга бор ҳақиқатни айтган
эдим. 8 Мен билан бориб келганлар халқимизни ваҳимага солган бўлса ҳам, мен
Эгам Худога содиқ қолдим. 9 Ўша куни Мусо қасам ичиб менга шундай деган эди*:
“Канъон юртида қадаминг етган ерлар сенга ва авлодингга абадий мулк қилиб
берилади, чунки сен Эгам Худога содиқ қолдинг.” 10 Мана кўриб турганингиздек,
Эгамиз Мусога шундай деб гапирганига қирқ беш йил бўлди. Ўша пайтда Исроил
халқи саҳрода юрган эди. Эгам Ўзи айтгандай ўшандан бери жонимни сақлаб
келяпти. Мана ҳозир саксон беш ёшдаман. 11 Мусо мени юборган кунда қандай
бақувват бўлган бўлсам, ҳозир ҳам шундайман. Ҳалигача жангга ҳам, қолган
барча ишларга ҳам қувватим етади. 12 Энди Эгамиз ўша куни ваъда қилган
қирларни* менга беринг. Ўша куни айғоқчиларнинг: “Оноқ авлоди* у ерда
ўзларининг катта, мустаҳкам шаҳарларида яшаркан” деган гапларини ўзингиз
эшитдингиз. Аммо Эгамиз мен билан бирга бўлса, Эгамизнинг Ўзи айтгандай, мен
уларни бу юртдан ҳайдаб чиқараман.

13 Шундан кейин Ёшуа Холибни дуо қилиб, Хеврон шаҳрини* унга мулк қилиб
берди. 14 Шундай қилиб, Холиб Исроил халқининг Худосига — Эгамизга содиқ
қолгани учун Хеврон шаҳри унинг ва авлодининг мулки бўлиб қолди.
15 Хевроннинг эски номи Хират–Арба* эди. Арба Оноқ авлоди орасида энг машҳур
киши бўлган эди.

Энди юртда тинчлик барқарор бўлди.

15–БОБ

Яҳудо қабиласининг ҳудуди

1 Яҳудо қабиласининг уруғларига тушган улуш юртнинг жануб томонида эди.
Уларнинг жанубдаги ерлари Эдом юртининг чегараси бўлган Зин чўлигача етди.
2 Уларнинг жанубий чегараси Ўлик денгизнинг* жанубий қирғоғидан
бошланади. 3 Чегара Чаёнлар довонидан* ўтиб, жануб томонга, Зин чўли томон
чўзилади. Кадеш–Барна шаҳрининг жануб томонидан ўтиб, Хазрон шаҳригача
боради. Хазрондан ўтгандан кейин Адар шаҳригача бориб, Карха шаҳри томонга
бурилади. 4 Бу чегара Озмон шаҳригача бориб, Миср чегарасидаги ирмоқдан* ҳам
ўтади–да, Ўрта ер денгизининг ёнида тугайди. Яҳудо қабиласининг жанубий
чегараси ана шундай бўлади.
5 Уларнинг шарқий чегараси Ўлик денгиздир. Бу чегара шимолдаги Иордан
дарёси Ўлик денгизга қуйиладиган жойгача чўзилади. Мана шу жойдан шимолий
чегара бошланади.
6 Шимолий чегара Ўлик денгизнинг ғарбидаги Байт–Хўглахгача чўзилиб,
Байт–Арабанинг шимолидан ўтади–да, Рубен ўғли Бўханнинг номи билан аталган
тош турган жойгача боради. 7 Кейин чегара Охор сойлигидан Давиргача* бориб,
шимолга — Гилгал* томонга бурилади. Гилгал сойликнинг жанубида бўлган
Адум довонининг рўпарасида эди. Чегара Эн–Шамаш булоғидан ўтиб, Эн–Рўғолга
боради. 8 Кейин Хиннум сойлигининг тепасидан кесиб ўтиб, Ёбус халқига
қарашли бўлган тепаликнинг, яъни Қуддуснинг жанубий ён бағридан ўтади.
Чегара у ердан Хиннум сойлигининг ғарбидаги қирнинг тепасига — Рафа
водийсининг шимолий четигача боради. 9 Чегара тоғнинг тепасидан Нафтува
булоқлари томон чўзилиб, Эфрўн тоғининг шаҳарларигача боради, кейин эса
Баалах томонга бурилади. Бу шаҳар ҳозирги пайтда* Хират–Йўрим деб аталади.
10 Шундан кейин бу шимолий чегара Баалахнинг ғарб томонини айланиб ўтиб,
Сеир тоғларигача* боради. Кейин Йўрим тоғининг шимолий ён бағридан ўтади.
Хисалон шаҳри шу ерда жойлашган. У ердан чегара Байт–Шамаш шаҳригача*
боради ва Тимнах шаҳридан ўтади. 11 Кейин чегара Эхрон шаҳрининг шимолидаги
тепаликнинг ён бағридан ўтиб, Шиккарон шаҳри томонга бурилади. Кейин
Баалах тоғининг ёнидан ўтиб, Ёбнаил шаҳрига боради. Шимолий чегара Ўрта ер
денгизининг олдида тугайди.
12 Ўрта ер денгизининг* қирғоғи ғарбий чегарани ташкил қилади.
Мана шу чегаралар ҳудудида Яҳудо қабиласининг уруғлари яшайди.

Хеврон ва Давир шаҳарларини Холиб мағлуб қилади

13 Эгамиз буюргандай, Ёшуа Яфунах ўғли Холибга Яҳудо қабиласининг
ҳудудидан улуш берди. Бу улуш Хират–Арба* шаҳри эди. Арба Оноқ авлодининг*
бобокалони эди. Ҳозирги пайтда* Хират–Арба шаҳри Хеврон деб аталади. 14 Холиб
у ердан Оноқ авлодини — Шешай, Охиман ва Талмай уруғларини қувиб чиқарди.
15 Яҳудо қабиласининг одамлари у ердан Давир шаҳрига* ҳужум қилиш учун
йўлга тушишди. Давирнинг эски номи Хират–Сафар эди. 16 Шунда Холиб:
“Хират–Сафарга ҳужум қилиб, қўлга киритган кишига қизим Ахсани бераман”, —
деди. 17 Ўтниёл шаҳарни қўлга киритди, Холиб эса унга қизи Ахсани узатди.
Ўтниёл Холибнинг Ханаз исмли укасининг ўғли эди. 18 Тўйдан кейин қиз
Ўтниёлга: “Келинг, отамдан* бир дала сўраб олайлик”, деб туриб олди. Холиб
эшакдан тушаётган қизига: “Ҳа, қизим, бирон–бир истагинг борми?” — деб
сўради. 19 “Менга бир совға қилсангиз, — деди Ахса. — Сиз менга Нагав чўлидаги*
ерни бердингиз, энди сув булоқларини ҳам ҳадя этинг.” Шундай қилиб, Холиб

унга тепадаги ва пастдаги булоқларни* берди.

Яҳудо шаҳарлари

20 Қуйида айтиб ўтилган ерларни Яҳудо қабиласи улуш қилиб олди. 21 Бу
ҳудуднинг энг жанубидаги — Эдом юрти чегарасидаги шаҳарларнинг номлари
қуйидагича эди: Кабзил, Эдер, Ёғур, 22 Хино, Димона, Адад, 23 Кедеш, Хазор,
Йитнон, 24 Зиф, Талим, Болўт, 25 Хазор–Хадатто, Харийўт–Хазрон, яъни Хазор,
26 Эмом, Шама, Мўлодах, 27 Хазор–Гаддах, Хашмон, Байт–Палат, 28 Хазор–Шувол,
Бершеба, Бизйўтаёх, 29 Баалах, Ийим, Эзам, 30 Элтўлад, Хасил, Хўрмах, 31 Зихлах,
Мадманно, Сансанно, 32 Лабойўт, Шилхим, Ойин, Риммон — ҳаммаси бўлиб
йигирма тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
33 Қир этакларининг шимолидаги шаҳарларнинг номи эса қуйидагича эди:
Эштойўл, Зорох, Ашнаҳ, 34 Зонўвах, Эн–Ханним, Таппух, Эном, 35 Ярмут, Адуллам,
Сўху, Озикаҳ, 36 Шарайим, Адитайим, Гадера (ёки Гадератайим) — ҳаммаси бўлиб
ўн тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
37 Қир этакларининг жанубида қуйидаги шаҳарлар бор эди: Зинон, Ҳадаша,
Мигдал–Гад, 38 Дилан, Миспах, Ёхтал, 39 Лахиш, Бозхат, Эглон, 40 Каббўн, Лахмос,
Хитлиш, 41 Гадерўт, Байт–Дўғон, Намах, Маккедо — ҳаммаси бўлиб ўн олтита
шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
42 Қир этакларининг марказий қисмидаги шаҳарлар қуйидагилар эди: Либна,
Этер, Ошон, 43 Йифтох, Ашнаҳ, Назив, 44 Кейлах, Ахсиб, Моришо — ҳаммаси бўлиб
тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
45 Яҳудо қабиласининг ҳудуди Эхроннинг барча шаҳарлари ва уларнинг
атрофидаги қишлоқларни ўз ичига олар эди. 46 Чегара Эхрондан ғарбга, Ўрта ер
денгизи томон чўзилиб, Ашдоднинг ёнида бўлган барча шаҳарлар ва уларнинг
атрофидаги қишлоқларни ўз ичига олар эди. 47 Уларнинг ҳудуди Ашдод ва унинг
шаҳарларию қишлоқларини, Ғазо ва у ердан Миср чегарасидаги ирмоққача*
бўлган жойлардаги шаҳарлар ва қишлоқларни, Ўрта ер денгизининг қирғоғи
бўйидаги шаҳарларни ўз ичига олар эди.
48 Яҳудо қабиласи қирларда қуйидаги шаҳарларни улуш қилиб олди: Шомир,
Ятир, Сўху, 49 Данно, Хират–Санно, яъни Давир, 50 Онов, Эштамўва*, Оним, 51 Гўшен,
Хўлун ва Гилох — ҳаммаси бўлиб ўн битта шаҳар ва уларнинг атрофидаги
қишлоқлар.
52 Қирлардаги қуйидаги шаҳарлар Яҳудо қабиласининг ҳудудига кирар эди:
Араб, Думах, Ишан, 53 Ёнум, Байт–Таппух, Офоқа, 54 Хумтах, Хират–Арба, яъни
Хеврон ва Зиор — ҳаммаси бўлиб тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофидаги
қишлоқлар.
55 Яна қирларда қуйидаги шаҳарлар Яҳудо қабиласининг улуши бўлди: Моюн,
Кармил, Зиф, Ютто, 56 Йизрил, Ёхдаём, Зонўвах, 57 Қайин, Гиво ва Тимнах —
ҳаммаси бўлиб ўнта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
58 Қирлардаги мана бу шаҳарлар ҳам ўша ҳудудга кирарди: Халхул, Байт–Зур,
Гадўр, 59 Марот, Байт–Анўт ва Элтахўн — ҳаммаси бўлиб олтита шаҳар ва
уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
60 Хират–Баал, яъни Хират–Йўрим ва Рабба — қирлардаги мана шу икки шаҳар
ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар ҳам Яҳудо қабиласининг улуши бўлди.
61 Ўлик денгиз бўйидаги адирларда жойлашган қуйидаги шаҳарлар ҳам Яҳудо
қабиласига тегишли бўлди: Байт–Араба, Миддин, Сахохо, 62 Нившон, Туз шаҳри ва
Эн–Геди — ҳаммаси бўлиб олтита шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
63 Аммо Яҳудо қабиласи Ёбус халқини Қуддусдан ҳайдаб чиқара олмади*.
Бугунгача* Ёбус халқи Яҳудо халқи билан бирга Қуддусда яшайди.

16–БОБ

Юсуф авлодининг улуши

1 Юсуф авлодларига* берилган улушнинг жанубий чегараси Ерихо шаҳрининг
ёнидаги Иордан дарёсидан, Ерихо булоғининг шарқидаги жойдан бошланади.
Кейин чегара Ерихонинг олдидан ўтиб, шимоли–ғарбдаги Яҳудо адирлари орқали
қирлардаги Байтил шаҳригача чўзилади. 2 Кейин Байтил, яъни Луздан ҳам ўтиб*,
Орух халқига тегишли бўлган Отрўт–Адаргача* боради. 3 Чегара у ердан ғарбдаги
Яфлет авлодининг еригача чўзилиб, Пастки Байт–Хўронгача боради. Кейин
чегара Гезер шаҳригача бориб, Ўрта ер денгизининг олдида тугайди.
4 Юсуф авлодлари бўлган Манаше ва Эфрайим қабилалари мана шу ерларни
улуш қилиб олдилар.

Эфрайим қабиласига берилган ерлар

5 Эфрайим қабиласининг уруғларига қуйидаги ерлар берилди: бу ерларнинг
жанубий чегараси Отрўт–Адарда бошланади–да, ғарб томонга, Тепадаги
Байт–Хўронгача чўзилиб, 6-7 Ўрта ер денгизининг олдида тугайди. Шарқий
чегараси Михматитдан жануб томонга боради, Танат–Шилў, Ёнох, Отарўт, Наро
шаҳарларидан ўтиб, Иордан дарёсининг Ерихога яқин бўлган жойида тугайди.
8 Шимолий чегараси эса Таппуҳдан ғарбга боради. Кейин Канах сойлиги бўйлаб
чўзилиб, Ўрта ер денгизида тугайди. Мана шу ерларни Эфрайим қабиласи улуш
қилиб олди.
9 Эфрайим қабиласига яна Манаше ҳудудида жойлашган бир нечта шаҳарлар
ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар ҳам берилди. 10 Аммо Эфрайим қабиласи
Гезерда яшаётган Канъон халқини қувиб чиқармади. Бу халқ бугунги кунгача*
Эфрайим қабиласи орасида яшайди, лекин улар қарол бўлиб хизмат қилишга
мажбур қилинганлар.

17–БОБ

Иордан ғарбидаги Манаше қабиласининг ярмига берилган ерлар

1 Кейин Манаше қабиласига улуш берилди. Манаше Юсуфнинг тўнғичи эди.
Мохир Манашенинг тўнғичи бўлиб, Гиладнинг отаси эди. Мохир ботир жангчи
бўлгани учун, Мусо унга Иорданнинг шарқидаги Гилад ва Башан ўлкаларини
берган эди. 2 Иорданнинг ғарбида Манаше қабиласининг қолганига улуш
берилди. Манаше ўғиллари Абуазар, Халек, Осриёл, Шакам, Хафер ва Шамидо
уруғларининг ҳаммасига ерлар берилди.
3 Манашенинг набираси Гиладнинг Хафер деган ўғли бор эди. Хафернинг эса
Залофход деган ўғли бор эди. Залофходнинг ўғиллари йўқ, фақатгина қизлари
бор эди. Қизларининг исмлари Махло, Нуваҳ, Хўглах, Милхо ва Тирза эди. 4 Шу
аёллар руҳоний Элазар*, Ёшуа ва оқсоқолларнинг олдига келиб, шундай
дейишди: “Эгамизнинг Ўзи бизга ҳам, амакиларимиз қатори, улуш беришни
Мусога амр қилган.”* Ёшуа Эгамизга итоат этиб, қизларга ҳам амакилари қатори
улуш берди. 5 Натижада Иорданнинг шарқидаги Гилад ва Башан ўлкаларидан
ташқари, Манаше қабиласи Иорданнинг ғарбида яна ўн бўлак ер олди. 6 Чунки
Манаше авлодининг аёллари ҳам эркаклар қатори улуш олишди. Гилад ерини эса
Ёшуа Манаше қабиласининг қолганларига тақсимлаб берди.
7 Иордан дарёсининг ғарбидаги Манаше қабиласи ерларининг шимолий
чегараси Ошер қабиласи ҳудудининг чегараси билан туташган эди. Жанубий
чегараси эса Михматит шаҳригача бориб, Таппух булоғи* атрофида

яшайдиганларнинг ерларигача чўзилган эди. Михматит шаҳри Шакам шаҳрининг шарқида эди. 8 Таппух шаҳри Манаше ва Эфрайим қабилаларининг чегарасида жойлашган эди. Таппухнинг атрофидаги ерлар Манаше қабиласига тегишли бўлса ҳам, шаҳарнинг ўзи Эфрайим қабиласига тегишли эди. 9 Манаше ҳудудининг жанубий чегараси Таппух шаҳридан, Канах сойлиги бўйлаб, Ўрта ер денгизигача чўзилади. Канах сойлигининг қирғоғидаги бир нечта шаҳар Манаше қабиласининг ҳудудида бўлишига қарамай Эфрайим қабиласига тегишли эди. 10 Ўша сойликнинг жанубидаги ерлар Эфрайим қабиласиники, шимолидаги ерлар эса Манаше қабиласиники эди. Ўрта ер денгизининг қирғоғи Манаше ҳудудининг ғарбий чегараси эди. Бу ҳудуд шимол томонда Ошер қабиласининг ҳудудигача, шарқ томонда эса Иссахор қабиласининг ҳудудигача чўзилган эди.

11 Иссахор ва Ошер қабилаларининг ҳудудларида жойлашган қуйидаги шаҳарлар ва атрофидаги қишлоқлар Манаше қабиласига берилган эди: Байт–Шан, Йиблаём, Дўр, яъни Нафўт–Дўр, Эн–Дўр, Танах ва Магидў. 12 Лекин Манаше қабиласи бу шаҳарларни қўлга кирита олмади. Канъон халқлари ўша жойларда яшашда давом этаверди. 13 Бирмунча вақт ўтгандан кейин Исроил халқи янада кучайди ва Канъон халқларини қарол бўлиб хизмат қилишга мажбур қилди. Аммо уларни юртдан бутунлай қувиб чиқармади.

Эфрайим ва Манаше қабилалари каттароқ улушни сўраб боришади

14 Бир кун Юсуф авлодлари* келиб, Ёшуадан сўрашди:

— Эгамиз бизни баракали қилиб, жуда ҳам кўпайтирди. Нима учун бизга фақатгина бир улуш ер бердингиз?

15 Ёшуа уларга шундай деб жавоб берди:

— Агар Эфрайим қирлари сизларга кичиклик қилаётган бўлса, боринглар, Париз ва Рафа* халқларининг ўрмонларидаги дарахтларни кесиб, ўзингизга жой тозалаб олинглар.

16 Улар шундай дедилар:

— Биз айтганингиздай қилсак ҳам, барибир, у жой бизга торлик қилади. Йизрил водийсига бориб ҳам, у ерда яшай олмаймиз. Нега десангиз, Байт–Шан шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда ҳамда Йизрил водийсининг бошқа жойларида яшайдиган Канъон халқи биздан анча кучли, уларнинг темирдан ясалган жанг аравалари* бор.

17 Ёшуа Юсуфнинг авлодлари бўлган Эфрайим ва Манаше қабилаларига шундай деди:

— Сизлар жуда кўпчиликсизлар, кучингиз ҳам кўп. Нафақат бир улуш ер, 18 балки қирлар ҳам сизларники бўлади. У ерлар ўрмон бўлса ҳам, дарахтларини кесиб, тозаланглар. У жойлар бошидан охиригача сизларники бўлади. Канъон халқларининг темир жанг араваларию катта кучи бўлишига қарамай, сизлар уларни у ердан ҳайдаб чиқарасизлар.

18–БОБ

Ёшуа қолган ерларни тақсимлайди

1 Исроил халқи юртни босиб олгандан кейин, бутун Исроил жамоаси Шилў шаҳрида* йиғилди. Улар ўша ерда Учрашув чодирини тикдилар.

2 Исроил халқининг орасида ҳали улуш олмаган еттита қабила қолган эди. 3 Ёшуа Исроил халқига шундай деди: “Ота–боболарингизнинг Худоси — Эгамиз сизларга юртни берган, қачонгача у юртга бутунлай жойлашишни орқага сурасизлар?! 4 Ҳар бир қабиладан уч кишини танланглар. Мен уларни бутун

юртни кезиб чиқиш учун юбораман. Улар ўз қабилаларининг улуши бўйича, ўша ерни тасвирлаб ёзиб келишади. 5 Жанубдаги Яҳудо қабиласининг ҳудуди ва
шимолдаги Юсуф авлодларининг* ҳудудларидан ташқари, юртнинг қолган
қисмини еттига бўласизлар. 6 Кейин шуларни ёзиб, менинг олдимга олиб
келинглар. Мен Эгамиз Худо олдида сизлар учун қуръа ташлайман*. 7 Сизларнинг
орангизда Леви қабиласига улуш бермайман. Эгамизга руҳоний бўлиб хизмат
қилиш уларнинг улушидир. Гад, Рубен қабилалари ва Манаше қабиласининг
ярми Иорданнинг шарқ томонида ўз улушларини олиб бўлганлар. Эгамизнинг
қули Мусо ўша ерларни уларга берган.”
8 Шундай қилиб, Ёшуа ернинг харитасини тузиб келишни буюрган кишилар
йўлга тушдилар. Улар кетмасдан олдин, Ёшуа уларга шундай деб тайинлаган эди:
“Бутун ерни кезиб, унинг харитасини тузиб келганингиздан кейин, мен Шилўда,
Эгамиз олдида сизлар учун қуръа ташлайман.” 9 У кишилар бориб, ерни етти
қисмга бўлдилар. Бутун юртнинг харитасини тузиб, шаҳарларини рўйхатга
олдилар. Кейин Ёшуанинг олдига, Шилўдаги қароргоҳга қайтиб келдилар. 10 Ёшуа
Шилўда, Эгамиз олдида улар учун қуръа ташлаб, ўша ерларни Исроил халқига
бўлиб берди. Қуръа бўйича ҳар бир қабилага бир улушдан ер берди.

Бенямин қабиласининг улуши

11 Қуръа ташланганда, Бенямин қабиласига Яҳудо қабиласи ва Юсуф
авлодлари* ҳудудларининг орасидаги ерлар улуш бўлиб тушди.
12 Бенямин ҳудудининг шимолий чегараси шарқ томонда Иордан дарёсидан
бошланади, кейин Ерихо қирининг ён бағридан шимол томонга боради. Қирлар
бўйлаб ғарб томонга ўтиб, Байт–Обун атрофидаги саҳрога боради. 13 У ердан
чегара Луз, яъни Байтил томонга бориб, Лузнинг жанубидаги қир бўйлаб
чўзилади. Кейин чегара Отрўт–Адар шаҳрига бориб, у ердан Пастки Байт–Хўрон
шаҳрининг жанубидаги қиргача боради.
14 У ердан ғарбий чегара бошланиб, Байт–Хўрон қаршисидаги қирнинг ғарб
томони бўйлаб жануб томонга чўзилади ва Хират–Баал, яъни Хират–Йўрим
қишлоғида тугайди. Бу қишлоқ Яҳудо қабиласига тегишли. Ғарбий чегара мана
шудир.
15 Ғарбда жанубий чегара Хират–Йўримнинг четидан бошланиб, Нафтува
булоқларигача боради. 16 Кейин чегара Рафа водийсининг шимолидаги тоғ
этагига боради. Хиннум сойлиги мана шу ердан бошланади. Чегара жануб
томонга давом этиб, Хиннум сойлиги бўйлаб Ёбуснинг* жанубидаги қир ён
бағрига боради. У ердан эса Эн–Рўғол томонга қараб давом этади. 17 Чегара у
ердан шимолга, Эн–Шамаш томонга бурилади ва Адум довонининг қаршисидаги
Гелилўтга боради. Кейин Рубен ўғли Бўхан номи билан аталган тошнинг ёнидан
ўтади. 18 Кейин Иордан водийсининг* ёнидаги қир ён бағрининг шимол
томонидан ўтиб, водийни ҳам кесиб ўтади. 19 У ердан чегара Байт–Хўглах
қирининг шимол томонига ўтиб, Иордан дарёси Ўлик денгизга* қуйиладиган
жойда тугайди. Бу Бенямин қабиласи ҳудудининг жанубий чегарасидир.
20 У ернинг шарқий чегараси Иордан дарёсидир.
Бенямин қабиласига улуш қилиб берилган ерларнинг чегаралари мана шулар
эди.
21 Қуйидаги шаҳарлар Бенямин қабиласига берилди: Ерихо, Байт–Хўглах,
Эмих–Қазиз, 22 Байт–Араба, Заморайим, Байтил, 23 Авим, Поро, Ўфра,
24 Хафар–Оммонах, Офнах ва Гебо — ҳаммаси бўлиб ўн иккита шаҳар ва уларнинг
атрофидаги қишлоқлар. 25 Қуйидаги шаҳарлар ҳам Бенямин қабиласига берилди:
Гивон, Рама, Барўт, 26 Миспах, Хафира, Мўзох, 27 Раҳем, Йирпаел, Тарало, 28 Зила,

Элеф, Ёбус, яъни Қуддус, Гиво ва Хират–Йўрим* — ҳаммаси бўлиб ўн тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.

Ёшуа мана шу ерларни Бенямин қабиласига улуш қилиб берди.

19–БОБ

Шимўн қабиласининг улуши

1 Қуръа бўйича* иккинчи бўлиб Шимўн қабиласи улуш олди. Шимўн
қабиласига улуш қилиб берилган ерларнинг атрофи Яҳудо қабиласининг ҳудуди
билан ўралган эди. 2 Шимўн қабиласига: Бершеба (яъни Шеба)*, Мўлодах,
3 Хазор–Шувол, Бала, Эзам, 4 Элтўлад, Батул, Хўрмах, 5 Зихлах, Байт–Маркобот,
Хазор–Суса, 6 Байт–Лабойўт ва Шорухан — ҳаммаси бўлиб ўн учта шаҳар ва
уларнинг атрофидаги қишлоқлар берилди.

7 Қуйидаги шаҳарлар ҳам Шимўн қабиласига тегишли эди: Ойин, Риммон, Этер
ва Ошон — тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар. 8 Шимўн
қабиласининг ҳудуди яна жанубдаги Баалат–Бэрни, яъни Нагав чўлидаги*
Рамагача бўлган ерлардаги барча шаҳарларни ва уларнинг атрофидаги
қишлоқларни ўз ичига олар эди. 9 Ёшуа Яҳудо қабиласига берган улуш улар учун
керагидан ҳам ортиқ эди. Шунинг учун уларнинг ҳудудидан бир бўлагини олиб,
Шимўн қабиласига улуш қилиб берди.

Забулун қабиласининг улуши

10 Қуръа бўйича учинчи бўлиб Забулун қабиласи улуш олди. Уларга теккан
ҳудуднинг чегараси Сорид шаҳридан бошланиб, 11 ғарб томонга боради ва Марало
шаҳридан ўтади. Кейин Даббешет шаҳрининг ёнидан ўтиб, Ёхнаём шаҳрининг
шарқидаги сойликкача етади. 12 Сорид шаҳрининг шарқ томонидан чегара
Хислўт–Товур шаҳрининг чегарасигача чўзилади. Кейин Доварат шаҳригача
бориб, Ёфия шаҳригача давом этади. 13 Чегара яна шарқ томонга давом этиб,
Гат–Хафер ва Эт–Козин шаҳарларигача боради. Кейин чегара Риммон шаҳригача
бориб, у ердан Ниёх шаҳри томон бурилади*. 14 Ҳудуднинг шимолий чегараси
Ханнатон шаҳридан ўтиб, Йифтох–Эл сойлигида тугайди. 15 Забулун
қабиласининг ҳудудида ҳаммаси бўлиб ўн иккита шаҳар ва уларнинг атрофидаги
қишлоқлар бор эди. Каттот, Наҳалил, Шимрон, Йидало ва Байтлаҳм* ўша
шаҳарлардан баъзилари эди.

16 Мана шу шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги қишлоқларнинг ҳаммасини
Забулун қабиласи улуш қилиб олди.

Иссахор қабиласининг улуши

17 Қуръа бўйича тўртинчи бўлиб Иссахор қабиласи улуш олди. 18 Бу қабилага
улуш қилиб берилган ерларда қуйидаги шаҳарлар бор эди: Йизрил, Хасуллўт,
Шунам, 19 Хафорайим, Шиён, Анахарат, 20 Раббит, Хишион, Аваз, 21 Ремот,
Эн–Ханним, Эн–Хаддах, Байт–Пазез. 22 Шимолдаги бу ҳудуднинг чегараси Товур
тоғидан бошланиб, Иордан дарёсида тугайди. Товур*, Шахазимо ва Байт–Шамаш*
шаҳарлари ҳам мана шу ҳудудга кирар эди — ҳаммаси бўлиб ўн олтита шаҳар ва
уларнинг атрофидаги қишлоқлар.

23 Мана шу шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги қишлоқларни Иссахор қабиласи
улуш қилиб олди.

Ошер қабиласининг улуши

24 Қуръа бўйича бешинчи бўлиб Ошер қабиласи улуш олди. 25 Уларнинг ҳудуди
қуйидаги шаҳарларни ўз ичига олар эди: Халкат, Халий, Бэтэн, Ахшоф,

26 Аламмалек, Эмод ва Мишол. Ҳудуднинг жанубий чегараси Ўрта ер денгизидан
бошланиб, Кармил қирларининг этакларидаги Шихор–Либнат сойлиги бўйлаб
чўзилади. 27 У ердан чегара шарқ томонга бурилиб, Байт–Дўғон шаҳригача боради
ва Йифтох–Эл водийсидаги Забулун қабиласи ҳудудининг чегараси билан
туташади. Кейин шарқий чегара шимол томонга бурилиб, Байт–Эмих ва Набиёл
шаҳригача боради. Ҳудуднинг чегараси Кавул, 28 Абдўн*, Рехоб, Хаммон, Канах
шаҳарларидан ўтиб, Буюк Сидон шаҳригача етади 29 ва бу ердан ғарбга бурилади.
Шу ердан шимолий чегара бошланиб, Рамага* боради–да, мустаҳкам Тир
шаҳригача етади. Кейин чегара Хўсах шаҳри томон бурилиб, Ўрта ер денгизининг
олдида тугайди. Ошер қабиласининг ҳудуди қуйидаги шаҳарларни ҳам ўз ичига
олар эди: Махалав, Ахсиб*, 30 Уммо*, Офоқ ва Рехоб — ҳаммаси бўлиб йигирма
иккита шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
31 Мана шу ерларнинг ҳаммасини Ошер қабиласи улуш қилиб олди.

Нафтали қабиласининг улуши

32 Қуръа бўйича олтинчи бўлиб Нафтали қабиласи улуш олди. 33 Нафтали
қабиласи ҳудудининг жанубий чегараси Халеф шаҳридан Зананим шаҳри ёнидаги
эман дарахти ёнигача боради. У ердан чегара Адамий–Нахаб, Ёбнаил ва Лахум
шаҳарларигача давом этиб, Иордан дарёсида тугайди. 34 Ҳудуднинг ғарбий
чегараси Ознўт–Товур шаҳридан ўтиб, Ҳуққоқ шаҳригача боради. Нафтали
қабиласининг ҳудуди жануб томонда Забулун қабиласининг ҳудуди билан
чегарадош, ғарб томонда Ошер қабиласининг ҳудуди билан чегарадош. Шарқий
чегараси эса Иордан дарёсидир*. 35 Нафтали қабиласининг ҳудудидаги мустаҳкам
шаҳарлар қуйидагилардир: Зиддим, Зер, Хаммат, Рахат, Кенерет, 36 Адамах, Рама*,
Хазор, 37 Кедеш, Эдрей, Эн–Хазор, 38 Ирўн, Мигдал–Эл, Хорем, Байт–Онот ва
Байт–Шамаш* — ҳаммаси бўлиб ўн тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофидаги
қишлоқлар.
39 Нафтали қабиласи мана шу ерларни улуш қилиб олди.

Дан қабиласининг улуши

40 Қуръа бўйича еттинчи бўлиб Дан қабиласи улуш олди. 41 Уларнинг ҳудуди
қуйидаги шаҳарлардан иборат эди: Зорох, Эштойўл, Ир–Шамаш, 42 Шалаббин,
Ойжавлон, Йитла, 43 Элўн, Тимнах, Эхрон, 44 Элтаха, Гибитон, Баалат, 45 Ёҳуд,
Бани–Барақ, Гат–Риммон, 46 Межаркон, Раххўн ва Яффанинг қаршисидаги жойлар.
47-48 Мана шу шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар Дан қабиласининг
улуши эди. Аммо кейинчалик душманлар келиб, бу ерларни босиб олдилар.
Шунда Дан қабиласи шимол томонга бориб, Лайиш* шаҳрига ҳужум қилди*. Улар
шаҳарни қўлга киритиб, бутун шаҳар аҳолисини қириб ташладилар. Ўзлари эса
шу шаҳарда жойлашиб, уни ўз бобоси Дан шарафига Дан деб атадилар.

Ёшуанинг улуши

49 Барча ерлар Исроил қабилаларига бўлиб берилгандан кейин, Исроил халқи
Ёшуага ҳам улуш берди. 50 Эгамиз Исроил халқига, Ёшуа хоҳлаган шаҳарни унга
беринглар, деб амр қилган эди. Ёшуа Эфрайим қирларидаги Тимнат–Серах
шаҳрини сўради. Исроил халқи ўша шаҳарни Ёшуага берди. Ёшуа у шаҳарни
қайтадан қуриб, ўша ерда жойлашди.

51 Мана шу ерларнинг ҳаммасини руҳоний Элазар*, Нун ўғли Ёшуа ва
қабилалар бошлиқлари Исроил қабилаларига улуш қилиб бердилар. Улар бу
ишларни Шилўдаги* Учрашув чодирига кираверишда, Эгамизнинг ҳузурида
қуръа ташлаб* амалга оширдилар. Хуллас, бутун юртни бўлиб олиш ҳам ўз

ниҳоясига етди.

20–БОБ

Паноҳ шаҳарлар

1 Эгамиз бир куни Ёшуага шундай деб айтди:
2 — Исроил халқига шу гапларни етказгин: “Мусо орқали сизларга
буюрганимдай*, паноҳ шаҳарларни тайинланглар. 3 Мабодо, бирортаси бехосдан
одам ўлдириб қўйса, қочиб ўша шаҳарлардан бирига борсин. Қотил ўша
шаҳарларнинг бирида паноҳ топиб, марҳумнинг қасос олмоқчи бўлган
қариндошларидан* омон қолади. 4 Шаҳарга етиб боргандан кейин, қотил шаҳар
дарвозаси олдида* ўтирган шаҳар оқсоқолларига ўз вазиятини тушунтирсин.
Шунда уни шаҳарга олиб кириб, уй–жой беришади. 5 Қасоскор қотилнинг
орқасидан қувиб келса, қотил қасоскорга берилмасин. Ахир, қотил одамни
бехосдан ўлдириб қўйган, уларнинг орасида ҳеч қандай адоват йўқ эди. 6 Жамоа
йиғилиб, қотилни ҳукм қилмагунча, ўша одам паноҳ шаҳарда қолиши лозим.
Қотил айбсиз деб топилгандан кейин* эса ўша пайтда хизмат қилаётган олий
руҳонийнинг ўлимига қадар, паноҳ шаҳарда яшаши керак. Олий руҳонийнинг
ўлимидан кейингина у ўзи қочиб келган жойга қайтиб бориши мумкин.”
7 Иордан дарёсининг ғарб томонида Исроил халқи паноҳ шаҳарлар қилиб
қуйидаги шаҳарларни тайинлади: Нафтали қабиласига тегишли қирларда
жойлашган Жалиладаги Кедеш шаҳри, Эфрайим қабиласига тегишли қирлардаги
Шакам шаҳри, Яҳудо қабиласига тегишли қирлардаги Хират–Арба, яъни Хеврон
шаҳри. 8 Иордан дарёсининг шарқида, Ерихо шаҳрининг қарши томонида эса
Исроил халқи қуйидаги шаҳарларни паноҳ шаҳарлар қилиб ажратди: ясси
тепалик саҳросида жойлашган, Рубен қабиласига тегишли бўлган Базер шаҳри,
Гад қабиласига тегишли Гиладдаги Рамўт шаҳри, Манаше қабиласига тегишли
Башандаги Гўлон шаҳри. 9 Мана шу шаҳарлар Исроил халқи ва уларнинг орасида
яшаётган бегоналар учун ажратилди. Агар бирортаси бехосдан одам ўлдириб
қўйса, ўша паноҳ шаҳарлардан бирига қочиб боради. Шундай қилиб, жамоа
адолатли ҳукм чиқармагунча, одам ўлдирган киши паноҳ шаҳарда хавф–хатарсиз
бўлиб, уни қувиб келган қасоскор қўлида ҳалок бўлмайди.

21–БОБ

Леви қабиласига берилган шаҳарлар

1 Леви қабиласи уруғбошилари келиб, руҳоний Элазар*, Нун ўғли Ёшуа ва
Исроил қабилаларининг бошлиқлари билан гаплашишди. 2 Исроил халқи ҳали
ҳам Канъон юртидаги Шилў шаҳрида* эди. Леви қабиласидан келганлар шундай
дейишди: “Леви қабиласига яшаш учун шаҳарлар, қўй–молларини боқиш учун эса
шаҳарларнинг атрофидаги яйловларни бер, деб Эгамиз Мусога амр қилган эди*.”
3 Исроил халқи Эгамизнинг ўша амри бўйича, ўзларининг ерларидан Леви
қабиласига баъзи шаҳарларни ва уларнинг атрофидаги яйловларни берди.
4 Қуръа* биринчи бўлиб, Леви қабиласининг Қоҳот* уруғига тушди. Қоҳот
уруғидан бўлган Ҳорун* наслига Яҳудо, Шимўн ва Бенямин қабилаларига
қарашли ўн учта шаҳар берилди.
5 Яна қуръа бўйича Қоҳот уруғининг қолган оилаларига Иордан дарёсининг
ғарбидаги Манаше қабиласининг ярмига тегишли ҳудуддан, Эфрайим ва Дан
қабилалари ҳудудидан ўнта шаҳар берилди.

6 Қуръа ташланиб, Гершон уруғидан бўлганларга Иордан дарёсининг
шарқидаги Манаше қабиласининг ярмига тегишли Башандаги ҳудуддан, Иссахор,
Ошер ва Нафтали қабилалари ҳудудидан ўн учта шаҳар берилди.
7 Қуръа бўйича Марори уруғига Рубен, Гад ва Забулун қабилаларининг
ҳудудидан ўн иккита шаҳар берилди.
8 Исроил халқи Эгамизнинг Мусога берган амрига кўра, қуръа ташлаб мана шу
шаҳарларни ва уларнинг яйловларини Леви қабиласига берди.
9-10 Қуйида айтиб ўтилган, Яҳудо ва Шимўн қабилалари ҳудудларидаги
шаҳарларни Исроил халқи қуръа бўйича, биринчи бўлиб Ҳоруннинг насли бўлган
Қоҳот уруғига берди. 11 Уларга Яҳудо қирларидаги Хират–Арба*, яъни Хеврон
шаҳри ва унинг атрофидаги яйловлар берилди. Арба Оноқ авлодининг*
бобокалони эди. 12 Аммо Хират–Арба ёнидаги далалар ва атрофидаги қишлоқлар
Яфунах ўғли Холибга мулк қилиб берилган эди*.
13 Паноҳ шаҳарларидан бири бўлган Хевrондан ташқари руҳоний Ҳорун
наслига яна қуйидаги шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги яйловлар ҳам берилди:
Либна, 14 Ятир, Эштамўва, 15 Хўлун, Давир, 16 Ойин, Ютто ва Байт–Шамаш —
ҳаммаси бўлиб Яҳудо ва Шимўн қабилаларининг ҳудудларидаги мана шу
тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар. 17 Бенямин қабиласининг
ҳудудидан эса қуйидаги тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар
берилди: Гивон, Гебо, 18 Онотўт, Элмўн. 19 Мана шу ўн учта шаҳар Ҳорун наслидан
бўлган руҳонийларга берилди.
20 Қоҳот уруғининг қолган оилаларига Эфрайим қабиласи ҳудудидан қуйидаги
тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар ажратиб берилди: 21 Эфрайим
қирларидаги паноҳ шаҳри бўлган Шакам, Гезер, 22 Хивзайим, Байт–Хўрон. 23 Дан
қабиласининг ҳудудидан қуйидаги тўрт шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар
ҳам руҳонийларга берилди: Элтаха, Гибитон, 24 Ойжавлон, Гат–Риммон.
25 Иорданнинг ғарб томонидаги Манаше қабиласининг ярмига берилган ҳудуддан
қуйидаги иккита шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар руҳонийларга
берилди: Танах, Билом*. 26 Қоҳот уруғининг қолган оилаларига мана шу ўнта
шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар берилди.
27 Иорданнинг шарқидаги Манаше қабиласининг ярмига берилган ҳудуддан
Леви қабиласининг Гершон уруғига қуйидаги икки шаҳар ва уларнинг
атрофидаги яйловлар берилди: Бештара шаҳри ва Башандаги паноҳ шаҳар Гўлон.
28 Иссахор қабиласининг ҳудудидан уларга яна қуйидаги тўртта шаҳар ва
уларнинг атрофидаги яйловлар ҳам берилди: Хишион, Доварат, 29 Ярмут ва
Эн–Ханним. 30 Ошер қабиласининг ҳудудидаги қуйидаги тўртта шаҳар ва
уларнинг атрофидаги яйловлар ҳам Гершон уруғига берилди: Мишол, Абдўн,
31 Халкат ва Рехоб. 32 Улар яна Нафтали қабиласи ҳудудидан қуйидаги учта шаҳар
ва уларнинг атрофидаги яйловларни ҳам олдилар: Хаммутдўр, Картан ва
Жалиладаги паноҳ шаҳар Кедеш.
33 Гершон уруғига мана шу ўн учта шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар
берилди.
34 Леви қабиласининг қолганларига, яъни Марори уруғига Забулун
қабиласининг ҳудудидан қуйидаги тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги
яйловлар берилди: Ёхнаём, Картах, 35 Димна, Наҳалил. 36 Рубен қабиласининг
ҳудудидан қуйидаги тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар ҳам Марори
уруғига берилди: Базер, Яхаз*, 37 Кадамўт, Мифат. 38 Гад қабиласининг ҳудудидан
эса қуйидаги тўртта шаҳар ва ўша шаҳарларнинг атрофидаги яйловлар уларга
берилди: Гиладдаги паноҳ шаҳар Рамўт, Моханайим, 39 Хашбон, Язир.

40 Леви қабиласининг Марори уруғига мана шу ўн иккита шаҳар берилди.
41 Исроил халқининг ерларидан Леви қабиласига ҳаммаси бўлиб қирқ саккизта шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар берилди. 42 Мана шу шаҳарларнинг ҳар бирининг атрофида яйловлар бор эди.

Исроил халқи ерга эгалик қилади

43 Эгамиз Исроил халқига бутун юртни берди. Эгамизнинг Ўзи Исроил халқининг ота–боболарига, мана шу ерларни сизларга бераман, деб ваъда қилган эди. Исроил халқи у ерларни эгаллаб, ўша ерларда жойлашди. 44 Эгамиз уларнинг ота–боболарига ваъда қилгандай, бутун юрт бўйлаб Исроил халқига осойишталик берди. Ҳеч бир душман уларга бас кела олмади, чунки Эгамизнинг Ўзи Исроил халқига душманларининг устидан ғалаба берган эди. 45 Эгамиз Исроил халқига берган эзгу ваъдаларнинг ҳаммаси рўёбга чиқди, бирортаси ҳам бажарилмай қолмади.

22–БОБ

Ёшуа Иорданнинг шарқидан улуш олган қабилаларни уйларига қайтариб юборади

1 Ёшуа Иордан дарёсининг шарқ томонида улуш олган Рубен, Гад қабилаларини ва Манаше қабиласининг ярмини чақириб, 2 шундай деди: “Эгамизнинг қули Мусо нима амр қилган бўлса, ҳаммасини бажардингиз. Мен буюрганларимнинг ҳаммасига итоат қилдингиз. 3 Юртни эгаллашга шунча узоқ вақт кетган бўлса ҳам, сиз ўз биродарларингизни тарк этмадингиз, Эгангиз Худо қўйган талабларни битта қолдирмай бажардингиз. 4 Эгангиз Худо Ўзи ваъда қилгандай, биродарларингизга тинчлик берди. Эгамизнинг қули Мусо сизларга Иорданнинг шарқ томонидан улуш берганди. Энди ўша ерлардаги уйларингизга қайтинглар. 5 Эгамизнинг қули Мусо сизларга буюрган амр ва қонунларни битта қолдирмай бажаринглар. Эгангиз Худони севинглар, Унинг йўлидан юриб, амрларини бажариб, Унга содиқ бўлинглар, Унга бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан хизмат қилинглар.” 6 Ёшуа уларни дуо қилиб, ўз ерларига юборди. Улар ўз чодирларига қайтиб кетишди.
7 Манаше қабиласининг ярмига Мусо Башан ўлкасини улуш қилиб берган эди, иккинчи ярмига эса Ёшуа қолган Исроил қабилалари билан бирга Иорданнинг ғарбидан ер берган эди. Ёшуа дуо қилиб, уларни ўз чодирларига юбораётганда, 8 шундай деган эди: “Ўз чодирларингизга кўп бойлик билан, ниҳоятда кўп мол–қўй, кумуш, олтин, бронза, темир, кўп кийим–кечаклар билан қайтиб кетяпсизлар. Душманларингиздан олган ўша ўлжаларни биродарларингиз билан бўлишиб олинглар.” 9 Шундай қилиб, Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми ўз уйларига қайтиб кетишди. Уларнинг ҳудуди Иордан дарёсининг шарқида жойлашган эди. Эгамиз Ўз қули Мусо орқали уларга амр қилиб: “Мана шу ерларни эгаллаб олиб, шу ерда жойлашинглар”, деган эди. Исроил халқининг қолган қабилалари Канъон юртидаги Шилўда* қолди.

Иордан дарёси бўйидаги қурбонгоҳ

10 Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми ҳали ҳам Канъон юртида эканлар, Иордан дарёсидан ўтишдан олдин, дарёнинг ёнидаги Гелилўт деган жойда жуда катта қурбонгоҳ қуришди. 11 Қолган Исроил халқига: “Иорданнинг шарқидан улуш олган Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми биз томонда, Канъон юртининг чегарасида, Гелилўтда

қурбонгоҳ қурибди” деган хабар келди. 12 Исроил халқининг жамоаси буни
эшитиб, Манаше қабиласининг ярми, Рубен ва Гад қабилаларига қарши жанг
қилиш учун Шилўда йиғилди.
13 Аммо аввал улар Гиладга — Манаше қабиласининг ярми ва Рубен, Гад
қабилаларининг олдига руҳоний Элазар* ўғли Финхазни юборишди.
14 Иорданнинг ғарбидаги қабилаларнинг ҳар биридан бир киши — ўз
қабиласининг бошлиғи бўлган ўн киши ҳам Финхаз билан бирга борди. 15 Улар
Иордан дарёсидан ўтиб, Гиладга бордилар. Ўша ерда Финхаз ва у билан келганлар
Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярмига шундай дедилар:
16 — Биз Эгамиз жамоаси номидан гапиряпмиз. Нима учун Исроил халқининг
Худосига хиёнат қилдингиз? Қандай қилиб Эгамиздан юз ўгириб, Унга қарши бош
кўтариб, ўзингизга қурбонгоҳ қурдингиз?* 17 Пиёр тоғида қилган гуноҳимиз*
етмасмиди?! Ўша гуноҳ туфайли Эгамизнинг бутун жамоаси бошига офат
келди–ку. Биз ҳали ҳам ўша гуноҳдан бутунлай покланганимиз йўқ. 18 Сизлар эса
яна Эгамиздан юз ўгиряпсиз?! Сизлар бугун Эгамизга қарши бош кўтарган
бўлсангиз, эртага У бутун Исроил жамоасидан ғазабланади. 19 Ерингиз Эгамизга
сажда қилишга мос келмайдиган жой бўлса, дарёнинг нариги томонига —
Эгамизнинг Муқаддас чодири тикилган жойга ўтиб, бизнинг орамизда ўзингизга
бирор ерни мулк қилиб олинглар. Аммо Эгамиз Худонинг қурбонгоҳидан
ташқари яна бошқа қурбонгоҳ қуриб олиб, Эгамизга ёки бизга қарши бош
кўтарманглар*. 20 Зерах ўғли Охун Эгамизга хиёнат қилиб*, бағишланган
нарсалардан* ўғирлаган эди. Шу туфайли бутун Исроил халқининг бошига
кулфат тушди–ку! Ўша гуноҳ дастидан ёлғиз унинг ўзи ҳалок бўлмади–ку!
21 Шунда Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми Исроил
қабилаларининг бошлиқларига шундай жавоб беришди:
22 — Худолар Худоси Эгамиздир! Худолар Худоси Эгамиздир! Унинг Ўзи
гувоҳимиз бўлсин. Эгамизнинг Ўзи билади. Бутун Исроил халқи ҳам билсин. Биз
қурбонгоҳни Эгамизга қарши бош кўтариб ёки Унга хиёнат қилиб қурганимиз
йўқ. Агар шу ниятда қурбонгоҳ қурган бўлсак, энди бизни аяманглар. 23 Биз бу
қурбонгоҳни Эгамиздан юз ўгирганимиз учун эмас, ҳатто шу қурбонгоҳ устида
куйдириладиган қурбонликлару дон назрлари ва тинчлик қурбонликлари
келтириш учун ҳам қурганимиз йўқ. Агар шу ниятда қурбонгоҳ қурган бўлсак,
Эгамизнинг Ўзи бизни жазоласин. 24 Биз қўрққанимиздан шундай қилдик. Вақти
келиб, сизларнинг авлодларингиз бизнинг авлодимизга шундай деб қолиши
мумкин: “Исроил халқининг Худоси — Эгамиз билан сизларнинг нима ишингиз
бор?! 25 Эгамиз сизлар — Рубен ва Гад қабилалари билан бизнинг орамизда
Иордан дарёсини чегара қилиб қўйди, Эгамизда сизнинг ҳеч ҳақингиз йўқ.”
Сизларнинг авлодингиз шундай деб бизнинг авлодларимизни Эгамизга сажда
қилишдан тўхтатиб қўйиши мумкин. 26 Шунинг учун биз шундай дедик:
“Келинглар, қурбонгоҳ қурайлик, бу қурбонгоҳ куйдириладиган қурбонликлару
бошқа ҳар хил қурбонликлар келтириш учун ишлатилмайди.” 27 Биз бу
қурбонгоҳни сиз билан бизнинг орамизда, биздан кейинги авлодлар орасида
гувоҳ бўлсин, деб қурдик. Биз ҳам, сизлар қатори, Эгамизнинг Муқаддас чодири
олдида Эгамизга сажда қилиб, ўша ерда куйдириладиган қурбонликлар, дон
назрлари ва тинчлик қурбонликлари келтиришга ҳақли эканимизни мана шу
қурбонгоҳ кўрсатади. Шунда сизларнинг авлодларингиз бизнинг авлодларимизга
ҳеч қачон: “Эгамизда сизларнинг ҳақингиз йўқ”, — демайди. 28 Борди–ю, шундай
деб айтишса, биз ёки авлодларимиз қуйидагидай жавоб бера оламиз: “Мана,
Эгамиз қурбонгоҳининг нусхасига қаранглар. Бизнинг аждодларимиз уни

куйдириладиган қурбонликлар ва бошқа ҳар хил қурбонликлар келтириш учун эмас, балки сиз билан бизнинг ўртамизда гувоҳ бўлиши учун қуришган.” 29 Фақат Эгамиз Худонинг Чодири олдида турган қурбонгоҳдагина Унга атаб куйдириладиган қурбонликлар, дон назрлари ва бошқа қурбонликлар келтириш мумкин. Эгамизга қарши бош кўтаришдан, Ундан юз ўгиришдан Унинг Ўзи бизни сақласин. Биз қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ қурмаймиз.

30 Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми айтган бу гапларни эшитиб, руҳоний Финхаз ва у билан бирга келган Исроил халқининг бошлиқлари жуда мамнун бўлишди. 31 Рубен, Гад қабилаларига ва Манаше қабиласининг ярмига Элазар шундай деди:

— Эгамиз биз билан бирга эканлигига бугун амин бўлдик. Сизлар Эгамизга хиёнат қилмай, бутун Исроил халқини Унинг ғазабидан сақлаб қолдингиз.

32 Кейин Элазар ва Исроил халқи бошлиқлари Гиладдан Канъон юртига, Исроил халқининг олдига қайтиб келиб нима бўлганини айтиб беришди. 33 Улар олиб келган хабар Исроил халқини мамнун қилди. Исроил халқи Худога ҳамду сано айтиб, Рубен ва Гад қабилаларига қарши жанг қилиш ва уларнинг ерларини вайрон қилиш ҳақида бошқа оғиз очмади. 34 Рубен ва Гад қабилалари қурбонгоҳга Гувоҳ деган ном беришди*, чунки улар: “Эгамиз — Худо эканлигини бу қурбонгоҳ ҳаммамизга эслатиб туради”, деб айтишган эди.

23–БОБ

Ёшуанинг охирги насиҳатлари

1 Орадан йиллар ўтди. Эгамиз Исроил халқига тинчлик ато қилди, атрофдаги душманлар уларга хавф солмас эди. Ёшуа ҳам ёши анча ўтиб, қариб қолган эди. 2 У бутун Исроил халқини, уларнинг оқсоқолларию бошлиқларини, ҳакам ва назоратчиларини чақириб шундай деди: “Менинг ёшим ҳам ўтди, анча қариб қолдим. 3 Эгангиз Худо сизлар учун атрофингиздаги халқларни нима қилганини кўрдингиз. Эгангиз Худонинг Ўзи сизлар учун жанг қилди. 4 Мен Исроил халқининг қабилаларига шарқда Иордан дарёсидан бошлаб ғарбдаги Ўрта ер денгизигача* бўлган ерларни мулк қилиб бердим. Мен сизларга мағлуб бўлган халқларнинг ҳам, ҳали мағлуб қилинмаган халқларнинг ҳам ерларини тақсимлаб бердим. 5 Эгангиз Худонинг Ўзи ўша халқларни олдингиздан ҳайдаб, орқага чекинтиради. Эгангиз Худонинг Ўзи ваъда қилгандай, сизлар уларнинг ерларини эгаллайсизлар. 6 Мусонинг Таврот китобида* ёзилган барча қонунларга амал қилинглар. Уларни битта қолдирмай бажаринглар. 7 Орангизда қолган ўзга халқларга қўшилманглар. Уларнинг худоларининг номларини тилга ҳам олманглар, ўша худоларнинг номи билан қасам ичманглар. У худоларга сажда ҳам қилманглар, хизмат ҳам қилманглар. 8 Сизлар шу пайтгача Эгангиз Худога содиқ бўлиб келдингизлар, бундан кейин ҳам Унга содиқ бўлиб қолинглар. 9 Эгамиз сизларнинг олдингиздан катта ва кучли халқларни ҳайдаб чиқарди, мана шу кунгача ҳеч ким сизларга бас кела олгани йўқ. 10 Эгангиз Худо ваъда қилгандай, Унинг Ўзи сизлар учун жанг қилади. Душманларнинг мингтаси биттангизга бас кела олмайди. 11 Шунинг учун доимо чин дилдан Эгангиз Худони севинглар. 12 Ундан юз ўгирманглар, орангиздаги ўзга халқлар билан аралашманглар, улар билан қуда–андачилик қилманглар. 13 Агар шундай қилсангиз, билиб қўйингки, Эгангиз Худо ўша халқларни сизларнинг олдингиздан бошқа ҳайдаб чиқармайди. Улар сизларга қопқон ва тузоқдай, елкаларингизга қамчидай, кўзларингизга эса тикандай бўлади. Охири, Эгангиз Худо сизларга берган мана шу ҳосилдор юртда

бирортангиз ҳам тирик қолмайсиз.
14 Мен ҳам бир бандаман, умрим охирлаб боряпти. Шубҳасиз, ҳаммангиз
биласиз, Эгангиз Худо сизларга яхши ваъдалар берган эди, шу ваъдаларнинг
ҳаммаси рўёбга чиқди, уларнинг бирортаси ҳам бажарилмай қолмади. 15 Эгангиз
Худо сизларга ваъда қилган барча яхши нарсаларни рўёбга чиқарди. Агар
Эгамизга итоат қилмасангиз, У сизларни огоҳлантириб айтган кулфатларни
бошингизга солади. Оқибатда У сизларга берган мана шу ҳосилдор юртдан
сизларни бутунлай йўқ қилиб ташлайди. 16 Агар сизлар Эгангиз Худо билан
қилган аҳдни бузиб, бошқа худоларга эргашсангиз, уларга хизмат қилиб, сажда
қилсангиз, сизларга қарши Эгамизнинг ғазаби қўзғайди–да, У сизларга берган
мана шу ҳосилдор юртда тез орада қирилиб кетасизлар.”

24–БОБ

Ёшуанинг Шакамда сўзлаган нутқи

1 Кейин Ёшуа барча Исроил қабилаларини, уларнинг оқсоқолларини,
бошлиқларини, ҳакамларини ва назоратчиларини Шакамга* чақиртирди. Улар
Худонинг ҳузурига келдилар. 2 Ёшуа бутун халққа шундай деди:
— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай демоқда: “Қадимда сизларнинг
аждодларингиз, жумладан, Тераҳ ва унинг ўғиллари Иброҳим ҳамда Нахўр Фурот
дарёсининг нариги томонида яшаганлар. Улар бошқа худоларга хизмат
қилганлар. 3 Мен сизларнинг ота–бобонгиз бўлган Иброҳимни Фуротнинг нариги
томонидаги ердан олиб чиқиб, бутун Канъон юрти бўйлаб бошлаб бордим.
Иброҳимнинг наслини кўпайтирдим. Иброҳимга Исҳоқни бердим. 4 Исҳоққа эса
Ёқуб ва Эсовни бердим. Эсовга яшаш учун Сеир тоғларини* бердим. Ёқуб ва унинг
фарзандлари эса Мисрга бордилар. 5 Кейин Мусо ва Ҳорунни Мисрга юбориб,
Миср халқининг бошига фалокатлар келтирдим. Ўшандан кейин сизларни
Мисрдан олиб чиқдим. 6 Ота–боболарингиз Қизил денгизга етиб келди.
Мисрликлар эса аравакашлари ва жанг аравалари билан уларни Қизил
денгизгача* қувиб бордилар. 7 Ота–боболарингиз Менга илтижо қилганларида,
Мен Мисрликлар ва ота–боболарингиз орасига зулмат туширдим.
Мисрликларнинг устига денгиз сувларини бостириб, уларни чўктирдим. Мисрни
қай аҳволга солганимни сизлар ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Ундан кейин сизлар
саҳрода узоқ вақт яшадингиз. 8 Кейин Мен сизларни Иордан дарёсининг шарқ
томонидаги юртга олиб келдим. У ерда Амор халқи яшар эди. Улар сизларга
қарши чиқиб жанг қилди. Мен сизларга уларнинг устидан ғалаба ато қилдим.
Уларни сизларнинг олдингиздан қириб ташладим, сизлар уларнинг ерларини
эгаллаб олдингиз. 9 Кейин Мўаб шоҳи — Зиппур ўғли Болоқ сизларга қарши
жангга чиқди. Исроил халқини лаънатласин деб, у Бавўр ўғли Баломни
чақиртирди*. 10 Аммо Мен Баломга қулоқ солмадим, аксинча, у ўз ихтиёрига
қарши сизларни дуо қилди. Шундай қилиб, Мен сизларни Болоқнинг қўлларидан
қутқардим. 11 Сизлар Иордандан ўтиб, Ерихога келганингизда, Ерихо аҳолиси
сизларга қарши жанг қилди. Амор, Париз, Канъон, Хет, Гиргош, Хив ва Ёбус
халқлари ҳам сизларга қарши уруш қилди. Мен сизларга уларнинг устидан ғалаба
бердим. 12 Икки Амор шоҳини* ваҳимага солдим–да, қувиб юбордим*. Бу ғалабага
сизлар ўз қиличу камонингиз билан эришмадингиз. 13 Мен сизларга ўзингиз
ишлов бермаган ерларни бердим. Энди сизлар ўзингиз қурмаган шаҳарларда
яшаяпсизлар, ўзингиз экмаган узумзору зайтун боғларининг мевасини
еяпсизлар.”

14 Ёшуа гапида давом этиб, шундай деди:
— Энди Эгамиздан қўрқинг, Унга содиқ бўлиб, доимо чин дилдан хизмат
қилинг. Аждодларингиз Фурот дарёсининг нариги томонида ва Мисрда сажда
қилган худоларнинг тасвирларини улоқтириб юборинг, фақатгина Эгамизга
хизмат қилинг. 15 Агар Эгамизга хизмат қилишни маъқул кўрмасангиз, кимга
хизмат қилишингизни бугун танланг. Фурот дарёсининг нариги томонида
яшаган пайтда сажда қилган худоларингизга хизмат қиласизларми? Ёки олдин
Амор халқларига тегишли бўлган ерларда яшаётганингиз учун энди уларнинг
худоларига хизмат қиласизларми? Бугун танланг. Мен ва оилам эса Эгамизга
хизмат қиламиз.
16 Халқ шундай жавоб берди:
— Худо сақласин! Биз ҳеч қачон бошқа худоларга хизмат қилиш учун
Эгамизни ташлаб кетмаймиз! 17 Бизни ва ота–боболаримизни Мисрдаги
қулликдан олиб чиққан Эгамиз Худодир. У қилган мўъжизаларни биз ўз кўзимиз
билан кўрдик. Турли халқларнинг орасидан ўтганимизда, қаерга бормайлик, У
бизни ҳимоя қилди. 18 Мана шу юртда яшаган Амор ва бошқа халқларнинг
ҳаммасини Эгамиз бизнинг олдимиздан ҳайдаб юборди. Шунинг учун ҳам биз
Эгамизга хизмат қиламиз, У бизнинг Худойимиздир.
19 Ёшуа халққа шундай деди:
— Эгамиз Муқаддас Худодир. У сизнинг севгингизни бошқа худолар билан
баҳам кўрмайдиган Худодир. Эгамизга содиқ қолиш осон, деб ўйламанглар. Агар
Унга қарши бош кўтарсангиз ёки гуноҳ қилсангиз, У сизларни кечирмайди.
20 Эгамиз сизларга шунча яхшилик қилган бўлса ҳам, агар Уни ташлаб, бошқа
худоларга хизмат қилсангиз, У бошингизга кулфат келтириб, сизларни қириб
ташлайди.
21 Халқ Ёшуага шундай деди:
— Йўқ, бошқа худоларга хизмат қилмаймиз, биз Эгамизга хизмат қиламиз!
22 Шунда Ёшуа халққа деди:
— Сизлар, Эгамизга хизмат қиламиз, деб қарор қилдингиз. Бунга ўзингиз
гувоҳсиз.
— Ҳа, гувоҳмиз, — деб жавоб берди халқ.
23 Ёшуа:
— Ундай бўлса, орангиздаги бегона худоларнинг тасвирларини улоқтириб
юборинглар, бутун қалбингиз билан Исроил халқининг Худоси — Эгамизга
боғланинглар, — деди.
24 Халқ Ёшуага шундай деди:
— Эгамиз Худога хизмат қиламиз, Унга қулоқ соламиз.
25 Ўша куни Ёшуа Шакамда халқ билан аҳд тузиб, улар бажаришлари учун
қонун–қоидалар берди. 26 Ёшуа бу сўзларни Худо Ўз халқига берган қонунлар баён
этилган китобга ёзди. Кейин катта тош олиб, уни Эгамизга аталган саждагоҳдаги*
эман дарахтининг тагига ёдгорлик қилиб ўрнатди. 27 Ёшуа бутун халққа шундай
деди:
— Қаранглар, мана шу тош Эгамиз бизга айтган ҳамма гапларни эшитди,
шунинг учун агар Эгамизга берган ваъдамизда турмасак, бу тош бизга қарши
гувоҳ бўлади.
28 Шундан кейин Ёшуа халқни уларга улуш қилиб берган ерларга юборди.

Ёшуа ва Элазар вафот этадилар

29 Бирмунча вақтдан кейин Эгамизнинг қули Ёшуа 110 ёшга кириб вафот этди.
30 Уни Тимнат–Серах шаҳрида дафн қилдилар. Бу шаҳар унга улуш қилиб

берилган бўлиб*, Гаш тоғининг шимолида, Эфрайим қирларида жойлашган эди.
31 Ёшуа даврида Исроил халқи Эгамизга хизмат қилар эди. Улар Ёшуанинг
ўлимидан сўнг, Эгамиз Исроил учун қилган ҳамма ишларини кўрган оқсоқоллар
даврида ҳам Эгамизга итоат қилишар эди.
32 Исроил халқи Мисрдан чиққанда Юсуфнинг суякларини ўзлари билан олган
эди*. Улар мана шу суякларни Шакамда кўмишди. Ёқуб бу ерни Шакамнинг отаси
Хамўрнинг ўғилларидан юз бўлак кумушга* сотиб олган эди*. Ўша ер Юсуф
авлодларининг улуши бўлиб қолди.
33 Ҳорун ўғли Элазар ҳам вафот этди. Элазарнинг ўғли Финхазга Эфрайим
қирларидаги Гиво шаҳри улуш қилиб берилган эди. Элазар ўша жойга дафн
қилинди.

ИЗОҲЛАР

1:2 *...Иордан дарёсидан ўтишга тайёрланинглар* — ўша пайтда Исроил халқи Иордан дарёсининг шарқидаги Мўаб текислигида турар эди (Саҳрода 36:13 га қаранг).

1:4 *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *Буюк денгиз*.

1:4 *...Хет халқининг ҳамма ерлари...* — бу ўринда Суриянинг шимолдаги ерлари назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХЕТ ХАЛҚИ иборасига қаранг.

1:8 *Таврот китоби* — Қонунлар китобида ёзилганларнинг аксарият қисми назарда тутилган бўлиши мумкин (Қонунлар 29:21, 30:10, 31:24-26 га қаранг).

1:13 *...Мусо сизларга амр қилиб айтган сўзларини эсланг* — Саҳрода 32:28-33, Қонунлар 3:18-20 га қаранг.

2:1 *Шитимдаги қароргоҳ* — Ўлик денгизнинг шимоли–шарқида, Мўаб текислигида жойлашган (Саҳрода 33:49 га қаранг).

2:1 *Ерихо шаҳри* — ўша ҳудуддаги энг муҳим шаҳар. Иордан дарёсидан қарийб 10 километр ғарбда жойлашган.

2:7 *...шаҳар дарвозаси ёпилди* — одатда қадимги пайтларда шаҳарлар девор билан ўралган бўлиб, катта дарвозаси ҳам бор эди. Хавфсизлик мақсадида дарвоза кечаси ёпиб қўйиларди.

2:10 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном остида ҳозирги Суэц қўлтиғи (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиқ) ёки Суэц қўлтиғи ва Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган кўллардан бири назарда тутилган. Чиқиш 14:10-31 даги ҳодисаларнинг тафсилотига кўра, бу денгиз катталигидан Исроил халқига тўсиқ бўлган, чуқурлигидан Миср лашкари чўкиб кетган.

2:15 *Раҳобанинг уйи шаҳар деворларига тақалиб қурилганлиги учун...* — қадимги пайтларда шаҳарлар баланд деворлар билан ўралган эди. Бу деворлар шаҳарни босқинчилар ҳужумидан ҳимоя қиларди. Археологик қазувлар натижасида Ерихо шаҳрининг деворлари икки қават — ички ва ташқи деворлардан иборат бўлганлиги аниқланган. Ички ва ташқи деворнинг оралиғи тахминан тўрт метр бўлиб, бир девордан бошқа деворга тақаб ўрнатилган йўғон ёғочлар устига уйлар қурилганди. Раҳоба айғоқчиларни чиқариб юборган дераза шаҳарнинг ташқи деворида жойлашган эди.

2:23 *Улар дарёни кечиб ўтиб...* — айғоқчилар Исроил халқи қароргоҳ қурган жойга — дарёнинг шарқ томонига қайтиб борган эдилар (1:2 га қаранг).

3:4 *икки минг тирсак* — тахминан 900 метрга тўғри келади.

3:5 *Ўзингизни покланг...* — диний хизматни лозим даражада бажаришга монелик қиладиган нопокликдан тозаланиш маросими назарда тутилган.

3:10-11 *...Аҳд сандиғи олдингизда Иордан дарёсидан ўтади* — Аҳд сандиғини кўтариб борган руҳонийлар биринчи бўлиб дарёга киришлари керак эди (шу бобнинг 13-14–оятларига қаранг). Матнда Худо Ўз халқини жангга бошлаб боришига урғу берилган. Аҳд сандиғи Худо ҳузурининг рамзи бўлиб хизмат қиларди.

3:15 *Ҳосил мавсуми* — кеч баҳор пайтига ишора.

3:16-17 *...Зоратон ёнидаги Адам шаҳри...* — Адам Ериходан қарийб 30 километр шимолда, Зоратон шаҳри эса Адамдан қарийб 20 километр шимолда жойлашган.

3:16-17 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Араба денгизи, яъни Туз денгизи*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Ўлик денгиз жойлашган чўл ерларни билдиради.

4:9 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

4:12 *Мусо буюргандай...* — 1:12-15 ва Саҳрода 32:16-33 га қаранг.

4:14 *...Исроил халқининг кўзи олдида Ёшуанинг номини юксалтирди* — 3:7 га қаранг.

4:15-16 *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *Гувоҳлик сандиғи*, Аҳд сандиғининг яна бир номи. Ибронийча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Иккала тош лавҳа Сандиқнинг ичида сақланиб, Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди.

4:19 *биринчи ой* — иброний календарининг Абиб ойи назарда тутилган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

4:19 *Гилгал* — бу жой Ериходан қарийб 4 километр шимоли–шарқда бўлган.

4:23 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. 2:10 изоҳига қаранг.

5:2 *Тошдан пичоқлар ясаб...* — бу тош пичоқлар қоятошнинг узун, энсиз парчасидан ясалган эди. Қоятошни йўниб, ундан ўткир тиғ ҳосил қилишар эди.

5:2 *...Исроил халқининг бу янги авлодини суннат қилинглар* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Халқ суннат қилинмай туриб Фисиҳ зиёфатини нишонлай олмасди (Чиқиш 12:48-49 га қаранг).

5:3 *Гивот–Харилўт* — ибронийчадаги маъноси *Суннат териси тепалиги*.

5:6 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут — мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

5:9 *Гилгал* — бу ном ибронийчадаги *думалатиб ташламоқ* сўзига оҳангдош. Бу оятда ўша ибронийча сўз *олиб ташладим* деб таржима қилинган.

5:10 *...ойнинг ўн тўртинчи кунида...* — иброний календарининг биринчи ойи назарда тутилган (4:19 нинг биринчи изоҳига қаранг).

5:11 *хамиртурушсиз нон* — Фисиҳ зиёфатида ва ундан кейин бир ҳафта давомида Исроил халқи фақат хамиртурушсиз нонларни истеъмол қилишлари керак эди. Ўша ҳафта Хамиртурушсиз нон байрами деб аталган (Чиқиш 12:14-20, 13:3-10 га қаранг).

5:12 *манна* — Худо Исроил халқига қирқ йил давомида саҳрода етказиб турган махсус егулик. Манна, Шаббат кунидан ташқари, ҳар куни кечаси ерга ёғиларди, одамлар саҳарда туриб, уни йиғиб олишарди. Сўнг уни янчиб, нон ёпишарди ёки қайнатиб овқат тайёрлашарди (Чиқиш 16:13-35, Саҳрода 11:7-9 га қаранг).

6:16 *...бағишланиб, йўқ қилинсин* — шу ибора билан таржима қилинган ибронийча

сўзнинг маъноси қуйидагича: бутун шаҳар, у ердаги одамлару ҳайвонлар ва буюмлар Худога бағишланиб, тамоман йўқ қилинган. Баъзи ҳолларда буюмлар Худога назр қилинган.

6:22 *...уларни Исроил қароргоҳининг ёнига...келтирдилар* — Раҳоба ва унинг оиласи Канъонлик бўлганлари учун ҳаром ҳисобланган эдилар. Шу боис улар Исроил қароргоҳига олиб кирилмаган эди. Агар айғоқчилар уларни Исроил қароргоҳига олиб кирганларида эди, қароргоҳ булғанган бўлар эди. Оқибатда, Эгамиз Исроил лашкарига жангда ёрдам бермаган бўларди (Қонунлар 23:9-14 га қаранг). Кейинчалик Раҳоба ва унинг хонадони Исроил халқига қўшилиб (шу бобнинг 24–оятига қаранг), Раҳоба Салмўнга эрга тегади (Матто 1:5 га қаранг). Шоҳ Довуд Раҳоба наслидан келиб чиқади (Рут 4:18-22 га қаранг).

6:23 *Эгамизнинг уйи* — ўша даврда Исроил халқи Эгамизга сажда қилган жой, яъни Муқаддас чодирга ишора.

6:24 *Унинг хонадони ўшандан бери Исроилда яшайди* — шу китоб ёзилган даврда Раҳобанинг хонадони Исроил халқи орасида яшарди.

6:25 *...Эгамиз олдида лаънати бўлсин!* — бу сўзлар шоҳ Ахаб даврида амалга ошган (3 Шоҳлар 16:34 га қаранг).

7:1 *бағишланган нарсалар* — 6:17-20 оятларга ва 6:16 изоҳига қаранг.

7:1 *Зимри* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Забди* (шу бобнинг 17, 18–оятларида ҳам бор). Унинг Зимри деган шакли 1 Солномалар 2:6 дан олинган.

7:1 *Эгамиз Исроил халқидан қаттиқ ғазабланди* — фақат Охун итоатсизлик қилган бўлса–да, Эгамизнинг амри бузилгани учун бутун Исроил халқи айбдор ҳисобланган эди.

7:2 *Ай шаҳри* — Ерихо шаҳридан қарийб 24 километр ғарбда, Байтил шаҳридан қарийб 3 километр жануби–шарқда жойлашган.

7:5 *тош қазиладиган жой* — ёки *Шебарим*.

7:14 *Эгамиз...танлайди* — Эгамиз Ўз иродасини одамларнинг қуръа ташлаши орқали аён қилган бўлиши мумкин. Қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклиги аниқланган. Бу ерда қуръа ким айбдор эканини кўрсатган (шу бобнинг 16-18–оятларига қаранг).

7:21 *Шинар* — Месопотамиядаги, яъни Дажла ва Фурот дарёлари орасида жойлашган ерлардаги бир ҳудуднинг қадимги номи. Кейинчалик бу ҳудудда Бобил шоҳлиги барпо бўлган.

7:21 *500 мисқол* — ибронийча матнда *200 шақал*, тахминан 2,2 килога тўғри келади.

7:21 *125 мисқол* — ибронийча матнда *50 шақал*, тахминан 550 граммга тўғри келади.

7:26 *Охор* — ибронийчадаги маъноси *кулфат*.

8:14 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсининг бир қисмига, айнан Ўлик денгизнинг шимолидаги ерларга нисбатан ишлатилган.

8:15 *саҳро тараф* — саҳро Ай шаҳридан шарқда жойлашган.

8:28 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора (шу бобнинг 29–оятида ҳам бор).

8:29 *...кечгача...* — Қонунлар 21:22-23 га қаранг.

8:30 *Ёшуа...Эбал тоғида қурбонгоҳ қурди* — Қонунлар 27:1-8 га қаранг. Эбал тоғи Ай шаҳридан қарийб 32 километр шимолда жойлашган.

8:31 *Таврот китоби* — 1:8 изоҳига қаранг.

8:31 *Таврот китобидаги кўрсатмалар* — Чиқиш 20:25, Қонунлар 27:5-6 га қаранг.

8:33 *...Гаризим тоғи...Эбал тоғи...* — Гаризим тоғи Эбал тоғидан жанубда жойлашган. Бу икки тоғ орасидан Шакам водийси ўтган.

8:33 *Мусо...буюрган эди* — Қонунлар 27:11-13 га қаранг.

9:1 *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *Буюк денгиз*.

9:3 *Гивон* — Ай шаҳридан қарийб 10 километр жануби–ғарбда жойлашган шаҳар.

9:4 *...йўлга тайёргарлик кўриб...* — ёки *...ўзларини элчи қилиб кўрсатмоқчи бўлиб...*.

9:6 *Гилгалдаги қароргоҳ* — 4:19 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг.

9:7 *Хив халқидан бўлган бу одамлар* — Гивон шаҳридан эдилар. Эгамиз Хив халқини бошқа халқлар қатори Канъон юртидан ҳайдаб юборишни Исроил халқига амр қилган эди (3:10 га қаранг).

9:7 *Балки сизлар бизга яқин жойда яшарсизлар, биз қандай қилиб сизлар билан сулҳ тузамиз?* — Худонинг Мусо орқали берган амрига кўра, Исроил халқи фақат олис юртларда яшайдиган халқлар билан сулҳ тузиши мумкин эди (Қонунлар 20:10-15 га қаранг). Канъон юртида истиқомат қилаётган барча халқларни эса битта қолдирмай қириб ташлаши шарт эди (Қонунлар 20:16-18 га қаранг).

9:10 *...Сихўнни ва...Ўгни нималар қилганини...* — Саҳрода 21:21-35, Қонунлар 2:24-3:11 га қаранг.

9:17 *Гивон, Хафира, Барўт ва Хират–Йўрим* — бу шаҳарлар Исроил халқининг Гилгалдаги қароргоҳидан қарийб 30-50 километр ғарбда жойлашган.

9:23 *Худойимнинг уйи* — ўша даврда Исроил халқи Худога сажда қилган жой, яъни Муқаддас чодирга ишора.

9:27 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

10:1 *Қуддус* — ўша пайтда Қуддус шаҳри Исроил халқига эмас, балки Ёбус халқига тегишли эди.

10:3 *Хеврон...Эглон...* — Хеврон шаҳри Қуддусдан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган эди. Ярмут, Лахиш ва Эглон шаҳарлари ҳам Қуддусга яқин жойда, қарийб 25-55 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

10:9 *...Гилгалдан...* — Гивон ва Гилгал орасидаги масофа қарийб 32 километрга тўғри келарди.

10:10 *...Озикаҳ ва Маккедога етиб...* — қарийб 30 километрли масофа.

10:12 *Ойжавлон водийси* — Гивон шаҳридан қарийб 15 километр ғарбда жойлашган.

10:13 *"Ёшур" китоби* — ибронийчадаги маъноси *Солиҳлар китоби*. Эҳтимол, бу китоб жангнома бўлиб, қадимий достонлар ва қўшиқлар мажмуасидан иборат эди. Бу китоб ҳозирги кунгача сақланиб қолмаган. 2 Шоҳлар 1:18 да ҳам ўша китобга ишора қилинган.

10:28 *Маккедо шаҳри* — бу шаҳар, шунингдек, шу бобнинг 28-38–оятларида айтиб ўтилган ҳамма шаҳарлар Канъоннинг жанубида жойлашган эди.

10:40 *Нагав чўли* — ҳозирги Исроилнинг жанубида, Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган ерлар.

10:41 *Гўшен ерлари* — Яҳудо қабиласига берилган қирлар ва жанубда жойлашган Нагав чўли оралиғидаги ерлар. Ибтидо ва Чиқиш китобларида тилга олинган Миср юртидаги Гўшендан бошқа ерлар.

11:1 *Хазор шаҳри* — Жалила кўлидан қарийб 15 километр шимолда жойлашган. Бу шаҳар ва мазкур бобнинг 1-15–оятларида айтиб ўтилган ҳамма шаҳарлар Канъоннинг шимолида жойлашган.

11:2 *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет*, ўша вақтда Жалила кўли ва унинг атрофидаги ерлар шу ном билан ҳам аталарди.

11:2 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган (шу бобнинг 16–оятида ҳам бор).

11:3 *Миспах ери* — шу бобнинг 8–оятидаги Миспах водийси назарда тутилган бўлиши мумкин. Мазкур оятдаги Миспах 15:38 ва 18:26 да Миспах деб аталган иккала жойдан бошқа. Эски Аҳдда бир нечта жой Миспах деган ном билан юритилган.

11:5 *Миром* — Жалила кўлидан қарийб 13 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар назарда тутилган бўлиши мумкин.

11:8 *...Буюк Сидон ва Мисрафўт–Майимгача...Миспах водийсигача...* — бу учта жой Миромдан қарийб 30-55 километр шимолда жойлашган.

11:13 *тепалик* — асрлар давомида шаҳарлар қурилиб, вайрон бўлган, вайроналар устига янги шаҳарлар барпо қилинаверган, шу тариқа тепаликлар ҳосил бўлиб бораверган. Бу ўриндаги ибронийча сўз шундай тепаликларга ишора қилади. Исроил халқи бу тепаликлар устида қурилган шаҳарларни қўлга киритиб, у ерларда яшаган бўлиши мумкин (Қонунлар 6:10-11 га қаранг).

11:16 *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

11:16 *Гўшен ерлари* — 10:41 изоҳига қаранг.

11:17 *Сеир* — Эдом юртига қарашли бўлган тоғли ерлар.

11:19 *Гивондаги Хив халқидан ташқари...* — 9:3-15 оятларга ва 9:7 нинг изоҳларига қаранг.

11:21 *Оноқ авлоди* — Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқ (Саҳрода 13:33-34, Қонунлар 1:28, 2:10-11, 20-21, 9:1-2 га қаранг).

11:22 *Ғазо, Гат ва Ашдод шаҳарлари* — бу шаҳарлар Филистияда, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди.

12:1 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба* (шу бобнинг 3, 8–оятларида ҳам бор). Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

12:2 *Исроил халқи мағлуб қилган шоҳлардан бири...Сихўн эди* — Саҳрода 21:21-31, Қонунлар 2:26-37 га қаранг.

12:3 *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет кўли*, ўша вақтда Жалила кўли ва

унинг атрофидаги ерлар шу ном билан ҳам аталарди.

12:3 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Араба денгизи, яъни Туз денгизи*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Ўлик денгиз жойлашган чўл ерларни билдиради.

12:4 *Мағлуб бўлган Башан шоҳи Ўг...* — Саҳрода 21:33-35, Қонунлар 3:1-11 га қаранг.

12:4 *Рафа халқи* — Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқ (Қонунлар 2:10-11, 20-21, 3:11 га қаранг).

12:7 *Сеир* — 11:17 изоҳига қаранг.

12:8 *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

12:23 *Нафўт–Дўр* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Нафат–Дўр*.

12:23 *Гилгал* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Жалила*.

13:3 *Шихор ирмоғи* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна 15:4, 47, Ибтидо 15:18 ва Саҳрода 34:5 га қаранг).

13:3 *Авим халқи* — қадимда Ўрта ер денгизи бўйида истиқомат қилган халқ (Қонунлар 2:23 га қаранг). Филист халқи Авим халқининг юртини босиб олгандан кейин, уларнинг омон қолганлари Филистлардан жанубда ўрнашган эди.

13:4 *Офоқ* — 12:18 да айтиб ўтилган Офоқдан бошқа шаҳар. Мазкур оятдаги Офоқ ҳозирги Байрутдан қарийб 40 километр шимолда жойлашган бўлиши мумкин.

13:5 *Габол* — Ўрта ер денгизи бўйидаги Финикияга қарашли шаҳар бўлиб, Сидон шаҳридан шимолда жойлашган эди.

13:5 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

13:7 *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган қабиланинг ярми назарда тутилган (22:7 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган эди (шу бобнинг 8, 29-31–оятларига ва 1:12-14 га қаранг).

13:9 *сойлик* — икки адир оралиғидаги пастлик. Баъзи сойликлар водий каби кенг бўларди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

13:11-12 *Рафа халқи* — 12:4 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

13:14 *Эгамиз айтгандай...Леви қабиласининг улушидир* — Қонунлар 18:1-2 га қаранг.

13:22 *Балом* — Саҳрода 22:1-24:25 га қаранг.

13:25 *Рабба шаҳри* — Оммон юртининг пойтахти.

13:25 *Арор шаҳри* — шу бобнинг 16–оятида айтиб ўтилган Арордан бошқа шаҳар.

13:27 *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет кўли*, ўша вақтда Жалила кўли ва унинг атрофидаги ерлар шу ном билан ҳам аталарди.

13:33 *"Мен Ўзим сизларнинг улушингиз бўламан", деб ваъда берган эди* — Худо Леви қабиласининг муҳтожликларини қондиришга ваъда берган эди. Худонинг амрига кўра, Леви қабиласи Исроил халқининг Эгамизга келтирган қурбонлигу назрларидан улар ейиш ҳуқуқига эга эдилар (Қонунлар 18:1-2 га қаранг). Халқдан йиғилган ушр ҳам бу қабила вакилларига тегишли эди (Қонунлар 14:28-29 га

қаранг), шунингдек, уларга айрим шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги яйловлар берилган эди (21:1-3 га қаранг).

14:1 *Элазар* — Ҳоруннинг ўғли, олий руҳонийлик хизматини давом эттирган эди (Саҳрода 20:22-29 га қаранг).

14:2 *...қуръа ташлаб белгиланди* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

14:3-4 *Юсуфнинг иккала ўғли...Леви қабиласи ҳеч қандай улуш олмади* — Исроил халқининг 12 қабиласи Ёқубнинг 12 ўғлидан келиб чиққан. Буларнинг орасида Леви қабиласи улуш қилиб ер олмаганди (13:14 га қаранг). Бироқ Юсуфнинг иккала ўғли — Эфрайим ва Манаше икки улуш ер олганлари учун, Исроил халқига ҳаммаси бўлиб 12 улуш ер, яъни 2,5 улуш ер Иордан дарёсининг шарқидан ва 9,5 улуш ер Иорданнинг ғарбидан бўлиб берилганди.

14:6 *Холиб* — Мусо Канъон юртига юборган ўн икки айғоқчидан бири (Саҳрода 13–бобга қаранг).

14:9 *...Мусо қасам ичиб менга шундай деган эди...* — Қонунлар 1:34-36 га қаранг.

14:12 *Эгамиз ўша куни ваъда қилган қирлар* — Саҳрода 14:24, 30 га қаранг.

14:12 *Оноқ авлоди* — 11:21 изоҳига қаранг.

14:13 *Хеврон шаҳри* — 10:3 изоҳига қаранг.

14:15 *Хират–Арба* — ибронийчадаги маъноси *Арба шаҳри*.

15:2 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Туз денгизи* (шу бобнинг 5–оятида ҳам бор).

15:3 *Чаёнлар довони* — ибронийча матнда *Акрабим довони*, маъноси *чаёнлар довони*.

15:4 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — 13:3 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

15:7 *Давир* — шу бобнинг 15–оятида ҳамда 10:38-39 да айтиб ўтилган Давирдан бошқа шаҳар.

15:7 *Гилгал* — 4:19 да айтиб ўтилган Ерихо ёнидаги Гилгал эмас.

15:9 *ҳозирги пайтда* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

15:10 *Сеир тоғлари* — 11:17 изоҳига қаранг.

15:10 *Байт–Шамаш шаҳри* — 19:41 да айтиб ўтилган Ир–Шамашнинг яна бир номи бўлиши мумкин. Ўша даврда Байт–Шамаш номли яна иккита шаҳар бор эди (19:22, 38 га қаранг).

15:12 *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *Буюк денгиз* (шу бобнинг 47–оятида ҳам бор).

15:13 *Ҳозирги пайтда* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

15:13 *Хират–Арба* — ибронийчадаги маъноси *Арба шаҳри*.

15:13 *Оноқ авлоди* — 11:21 изоҳига қаранг.

15:15 *Давир шаҳри* — Хеврон шаҳридан қарийб 16 километр жануби–ғарбда жойлашган.

15:18 *...қиз Ўтниёлга: "Келинг, отамдан...* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларида *...Ўтниёл қизга: "Кел, отангдан....*

15:19 *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

15:19 *тепадаги ва пастдаги булоқлар* — тепадаги булоқ — тоғдаги булоққа ишора. Эчкиларни суғориш учун ўша булоқ сувидан фойдаланилган. Пастдаги булоқ — текисликдаги булоққа ишора. Ер остидан сув чиқиб, ҳовузни ҳосил қилган. Бу булоқ сувидан донларни суғориш учун фойдаланилган.

15:47 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — 13:3 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

15:50 *Эштамўва* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Эштамўх*. Унинг Эштамўва деган шакли 21:14 дан олинган.

15:63 *...Ёбус халқини Қуддусдан ҳайдаб чиқара олмади* — Исроил халқи Қуддусни шоҳ Довуд даврида қўлга киритган (2 Шоҳлар 5:6-7 га қаранг), лекин шундан кейин ҳам бутун Ёбус халқини шаҳардан ҳайдаб чиқармаганди (2 Шоҳлар 24:16 га қаранг).

15:63 *Бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

16:1 *Юсуф авлодлари* — Юсуфнинг иккала ўғли — Эфрайим ва Манашенинг авлодларига ишора (14:3-4 га қаранг).

16:2 *...Байтил, яъни Луздан ҳам ўтиб...* — қадимий юнонча таржимадан (яна 18:13 га қаранг). Ибронийча матнда *...Байтилдан Лузга ўтиб...*.

16:2 *Отрўт–Адар* — ибронийча матнда *Отрўт*. *Отрўт* — *Отрўт–Адар*нинг қисқа шакли.

16:10 *бугунги кунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

17:4 *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.

17:4 *"Эгамизнинг Ўзи...Мусога амр қилган"* — Саҳрода 27:1-11, 36:1-12 га қаранг.

17:7 *Таппух булоғи* — ибронийча матнда *Эн–Таппух*, маъноси *Таппух булоғи*.

17:14 *Юсуф авлодлари* — бу ўринда Эфрайим қабиласи ва Манаше қабиласининг ярми назарда тутилган. Улар Иордан дарёсининг ғарб томонида ўрнашган эдилар. Шу бобнинг 17–оятига ва 16:1-4 га қаранг.

17:15 *Рафа* — 12:4 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

17:16 *...темирдан ясалган жанг аравалари...* — бу араваларнинг баъзи қисмлари темирдан ясалган эди, холос.

18:1 *Шилў шаҳри* — Қуддусдан қарийб 32 километр шимолда жойлашган бўлиб, Исроил халқи сажда қиладиган асосий жойга айланиб бораётган эди.

18:5 *Юсуф авлодлари* — 17:14 изоҳига қаранг.

18:6 *...Эгамиз Худо олдида...қуръа ташлайман* — 14:2 изоҳига қаранг.

18:11 *Юсуф авлодлари* — 17:14 изоҳига қаранг.

18:16 *Ёбус* — Қуддуснинг қадимги номи (шу бобнинг 28–оятига қаранг).

18:18 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

18:19 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Туз денгизи*.

18:28 *Хират–Йўрим* — қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Хират*. *Хират* — *Хират–Йўрим*нинг қисқа шакли бўлиши мумкин.

19:1 *Қуръа бўйича…* — 14:2 изоҳига қаранг.

19:2 *…Бершеба (яъни Шеба)…* — ибронийча матнда *…Бершеба, Шеба….* Шу бобнинг 6–оятида берилган маълумотга кўра, ҳаммаси бўлиб 13 шаҳар қайд этилган (яна 1 Солномалар 4:28-30 га қаранг). Шунга биноан, Шеба — Бершебанинг қисқа шакли бўлиши мумкин.

19:8 *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

19:13 *…Риммон шаҳригача бориб, у ердан Ниёх шаҳри томон бурилади* — ёки *…Риммон, Мифўвар ва Ниёх шаҳарларигача боради*.

19:15 *Байтлаҳм* — Қуддусдан жанубдаги машҳур Байтлаҳмдан бошқа шаҳар. Мазкур оятдаги Байтлаҳм Исроилнинг шимолида жойлашган.

19:22 *Товур тоғидан бошланиб…Товур* — ибронийча матнда *Товур* сўзи бир марта ишлатилган. Лекин бу оятда *Товур* сўзи ҳам тоққа, ҳам тоғ этагидаги шаҳарга нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин. Товур тоғи Иссахор ҳудудининг шимолий чегарасидаги бир жой эди.

19:22 *Байт–Шамаш* — шу бобнинг 38–оятида ҳамда 15:10 да айтиб ўтилган Байт–Шамашдан бошқа шаҳар.

19:28 *Абдўн* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Эброн*. Унинг Абдўн деган шакли 21:30 дан олинган.

19:29 *Рама* — мазкур оятдаги Рама шаҳри шу бобнинг 36–оятида ва 18:25 да Рама деб номланган икки шаҳардан бошқа шаҳар.

19:29 *Махалав, Ахсиб* — ибронийча матнда бу сўзларнинг маъноси баҳсли. Кўп олимларнинг шарҳлашича, бу сўзлар икки шаҳарнинг номлари бўлган.

19:30 *Уммо* — Ҳакамлар 1:31 да айтиб ўтилган Аккў шаҳрининг яна бир номи бўлиши мумкин.

19:34 *Иордан дарёси* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Иордан дарёси бўйидаги Яҳудо*. Бироқ Яҳудо ҳудуди Исроилнинг жанубида, Нафтали ҳудудидан анча узоқда жойлашган эди. Ибронийча матндаги *Яҳудо* сўзи Исроилнинг шимолида, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида жойлашган шаҳарни билдирган бўлса керак.

19:36 *Рама* — мазкур оятдаги Рама шаҳри шу бобнинг 29–оятида ва 18:25 да Рама деб номланган икки шаҳардан бошқа шаҳар.

19:38 *Байт–Шамаш* — шу бобнинг 22–оятида ҳамда 15:10 да айтиб ўтилган Байт–Шамашдан бошқа шаҳар.

19:47-48 *Лайиш* — ибронийча матнда *Лашем*, Лайишнинг яна бир номи.

19:47-48 *…Лайиш шаҳрига ҳужум қилди* — Ҳакамлар 18–бобга қаранг.

19:51 *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.

19:51 *Шилў* — 18:1 изоҳига қаранг.

19:51 *…Эгамизнинг ҳузурида қуръа ташлаб…* — 14:2 изоҳига қаранг.

20:2 *Мусо орқали сизларга буюрганимдай…* — Саҳрода 35:9-34, Қонунлар 19:1-13 га қаранг.

20:3 *марҳумнинг қасос олмоқчи бўлган қариндошлари* — Саҳрода 35:16-28 га қаранг.

20:4 *…шаҳар дарвозаси олдида…* — қадимги пайтларда оқсоқоллар ва обрўли

одамлар шаҳар дарвозаси олдида йиғилиб, ҳакамлик вазифасини бажарардилар. У ерда турли масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилардилар.

20:6 *Қотил айбсиз деб топилгандан кейин…* — агар одам қотилликда айбдор деб топилса, паноҳ шаҳарнинг аҳолиси қотилни жабр кўрган қариндошларнинг қўлига топшириб, уни ўлдириб юборишларига йўл қўйиб беришлари керак эди (Қонунлар 19:11-13 га қаранг).

21:1 *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.

21:2 *Шилў шаҳри* — 18:1 изоҳига қаранг.

21:2 *…Эгамиз Мусога амр қилган эди* — Саҳрода 35:1-8 га қаранг.

21:4 *Қуръа* — 14:2 изоҳига қаранг.

21:4 *Қоҳот* — Қоҳот, Гершон (шу бобнинг 6–оятига қаранг) ва Марори (шу бобнинг 7–оятига қаранг) Левининг ўғиллари эди (Чиқиш 6:16 га қаранг).

21:4 *Ҳорун* — Қоҳотнинг невараси (Чиқиш 6:18-20 га қаранг).

21:11 *Хират–Арба* — ибронийчадаги маъноси *Арба шаҳри*.

21:11 *Оноқ авлоди* — 11:21 изоҳига қаранг.

21:12 *…Холибга мулк қилиб берилган эди* — 14:6-14 га қаранг.

21:25 *Билом* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Гат–Риммон*. Унинг Билом деган шакли 1 Солномалар 6:70 дан олинган.

21:36 *Яхаз* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Яхзо*.

22:9 *Шилў* — 21:2 оятга ва 18:1 изоҳига қаранг.

22:13 *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.

22:16 *Нима учун…ўзингизга қурбонгоҳ қурдингиз?* — Худо Мусо орқали Исроил халқига қурбонгоҳ ва саждага оид амрларни берган эди. Исроил халқи Канъон юртида ўрнашгандан сўнг ўша амрларга риоя қилган ҳолда, ҳамма қурбонликларни фақат Худо белгилаган жойда келтириши керак эди (Қонунлар 12:5-14 га қаранг). Ўша даврда қурбонликлар келтириладиган ягона жой Шилўда ўрнатилган Муқаддас чодир эди (шу бобнинг 19–оятига ҳамда 18:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

22:17 *Пиёр тоғида қилган гуноҳимиз…* — Саҳрода 25:1-9 га қаранг.

22:19 *…Эгамизга ёки бизга қарши бош кўтарманглар* — ёки *…Эгамизга қарши бош кўтариб, бизни ҳам исёнкор қилиб қўйманглар*. Исроил халқининг бир қисми Эгамизга қарши бош кўтарганда, бутун халқ жазога тортиларди (шу бобнинг 18, 20–оятларига қаранг).

22:20 *…Охун Эгамизга хиёнат қилиб…* — 7:1-26 га қаранг.

22:20 *бағишланган нарсалар* — 6:17-20 оятларга ва 6:16 изоҳига қаранг.

22:34 *…қурбонгоҳга Гувоҳ деган ном беришди* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *…қурбонгоҳга ном беришди*.

23:4 *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *Буюк денгиз*.

23:6 *Таврот китоби* — 1:8 изоҳига қаранг.

24:1 *Шакам* — Қуддусдан қарийб 50 километр шимолда, Исроил тепаликларида жойлашган шаҳар. Шакам Исроил халқи учун муҳим тарихий ёдгорлик бўлиб хизмат қиларди (Ибтидо 12:6-7, 33:18-20, 35:2-5 га қаранг).

24:4 *Сеир тоғлари* — Эдом юртининг яна бир номи Сеир эди. Исроил халқи Ёқубдан, Эдом халқи эса Ёқубнинг акаси Эсовдан келиб чиққан эди.

24:6 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. 2:10 изоҳига қаранг.

24:9 *…Болоқ…Баломни чақиртирди* — Саҳрода 22:1-24:25 га қаранг.

24:12 *Икки Амор шоҳи* — яъни Сихўн ва Ўг (Саҳрода 21:21-35, Қонунлар 2:24-3:11 га қаранг).

24:12 *Икки Амор шоҳини…қувиб юбордим* — ёки *Мен Икки Амор шоҳини қувиш учун сизлардан олдин қовоқ ариларни юбордим*.

24:26 *саждагоҳ* — Худога сажда қилиш учун ажратилган кичик бир очиқ жой бўлса керак. Иброҳим шу жойда Эгамизга атаб қурбонгоҳ қурган бўлиши мумкин (Ибтидо 12:6-7 га қаранг), кейинчалик Ёқуб ўз хонадонини бутлардан тозалаб, уларни худди шу эман дарахтининг тагига кўмган бўлиши мумкин (Ибтидо 35:2-5 га қаранг).

24:30 *Бу шаҳар унга улуш қилиб берилган бўлиб…* — 19:49-50 га қаранг.

24:32 *…Юсуфнинг суякларини ўзлари билан олган эди* — Ибтидо 50:24-26 ва Чиқиш 13:19 га қаранг.

24:32 *юз бўлак кумуш* — ибронийча матнда *юз киситo*. Бу пул бирлигининг қиймати ва оғирлиги ҳақидаги маълумот сақланиб қолмаган. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

24:32 *Ёқуб бу ерни…сотиб олган эди* — Ибтидо 33:19 га қаранг.

ҲАКАМЛАР
КИТОБИ

Кириш

Ҳакамлар китоби бизни Исроил халқининг Худодан юз ўгирган ва бутларга сиғинган даври билан таништиради. Мазкур китобда Ёшуанинг ўлимидан сўнг монархия тузумига асосланган давлат юзага келгунча рўй берган турли воқеалар баён қилинади. Китобда биз турли ҳикояларни ўқиб, уларнинг мағзини чаққанимизда, Худо Исроил халқининг ягона Ҳукмдори эканини яққол кўришимиз мумкин.

Исроил халқи Канъон юртини забт этганда, у ерда яшаётган халқларни ҳайдаб юбормайди, шу тариқа Худога итоатсизлик қилади. Улар Худодан юз ўгириб, ўша бутпараст халқларнинг сохта худоларига кўнгил боғлайдилар. Оқибатда, Худо Исроил халқини бутпарастлиги учун жазолаб, жазо сифатида уларни ён–атрофда яшовчи Канъон халқларига тобе қилиб қўяди. Жабр–зулм остида қолган Исроил халқи Худога илтижо қилиб, Ундан ёрдам сўрайди. Шунда Худо Ўз халқини озод қилиш учун уларга бирин–кетин йўлбошчиларни юборади. Бу йўлбошчилар ҳакамлар деб аталади. Ҳакамлар бошчилигида Исроил халқи ғанимлари устидан ғалаба қозонади. Сўнг улар учун фаровонлик даври бошланади. Исроил халқи ҳакамларнинг ҳаётлиги даврларида Худога содиқ бўлади. Лекин ҳар бир ҳакамнинг вафотидан кейин, улар яна Худодан юз ўгиришади. Бундай ҳодисалар қайта–қайта такрорланаверади.

Одатда ҳакамлар бир нечта қабилага йўлбошчилик қилишарди, лекин айримлари бутун халқни бошқаришарди. Ўша пайтда Исроил халқи тарқоқ қабилалардан иборат бўлиб, ҳали яхлит бир халқ деб ҳисобланмасди. Уларнинг шоҳи бўлмагани учун, ўша даврда “ҳар бир одам билганини қилар эди” (21:25 га қаранг). Лекин одамлар ягона Худога сажда қилишни ўрганишлари лозим эди, шунинг учун улар ҳар сафар бегона худоларга сиғинишни бошлаганларида, Худо уларни жазоларди.

1–БОБ

Яҳудо ва Шимўн қабилалари Одонивазахни қўлга оладилар

1 Ёшуанинг ўлимидан* сўнг, Исроил халқи Эгамиздан: “Канъон халқига қарши
жанг қилиш учун орамиздан ким биринчи бўлиб чиқсин?” деб сўради. 2 “Яҳудо
қабиласи чиқсин, — деди Эгамиз. — Мен бу юртни уларнинг қўлига беряпман.”
3 Шунда Яҳудо қабиласи қардоши бўлган Шимўн қабиласига шундай деди:
“Келинглар, биргаликда бизга улуш бўлиб тушган ерга борайлик. Ўша ерда
биргалашиб Канъон халқига қарши жанг қилайлик. Кейин биз ҳам сизларга
тушган улушга эргашиб борамиз.” Шундай қилиб, Шимўн қабиласи улар билан
бирга борди. 4 Яҳудо қабиласи жангга чиқди. Канъон ва Париз халқларини Эгамиз
уларнинг қўлига бергани учун, улар Базах шаҳрида ўн мингта душманни қириб
ташлашди. 5 Ўша ерда шоҳ Одонивазахга дуч келишди, унга ҳужум қилиб, Канъон
ва Париз халқларини мағлуб этишди. 6 Одонивазах қочди, аммо улар унинг
кетидан қувиб, қўлга олишди ва оёқ–қўлларининг бош бармоқларини чопиб
ташлашди. 7 Шунда Одонивазах деди: “Оёқ–қўлларининг бош бармоқлари чопиб
ташланган етмишта шоҳ дастурхонимдан тушган ушоқларни териб юришар эди*.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Мен ўша шоҳларнинг бошига солган не–не кунларни Худо қайтариб ўз бошимга солди.” Исроил одамлари Одонивазахни Қуддусга олиб боришди, у ўша ерда жон берди.

Яҳудо қабиласи Қуддус билан Хевронни қўлга киритади

8 Кейин Яҳудо қабиласи Қуддусга ҳужум қилиб, шаҳарни қўлга киритди*. Улар
у ердагиларни қиличдан ўтказиб, шаҳарга ўт қўйишди. 9 Сўнг эса қирларда,
ғарбдаги қир этакларида ва Нагав чўлида яшовчи Канъон халқига қарши жанг
қилиш учун жанубга қараб юришди. 10 Яҳудо қабиласи Хеврон шаҳрида*
истиқомат қилган Канъон халқига ҳужум қилиб, Шешай, Охиман ва Талмай
қўшинларини яксон қилди. Хевроннинг эски номи Хират–Арба эди.

Ўтниёл Давир шаҳрини қўлга киритади

11 У ердан Яҳудо одамлари Давир шаҳрига ҳужум қилиш учун йўлга тушишди.
Давирнинг эски номи Хират–Сафар эди. 12 Шунда Холиб*: “Хират–Сафарга ҳужум
қилиб, қўлга киритган кишига қизим Ахсани бераман”, — деди. 13 Ўтниёл
шаҳарни қўлга киритди, Холиб эса унга қизи Ахсани узатди. Ўтниёл — Холибнинг
жияни, аниқроғи, Ханаз исмли кенжа укасининг ўғли эди. 14 Тўйдан кейин қиз
Ўтниёлга: “Келинг, отамдан* бир дала сўраб олайлик”, деб туриб олди. Холиб
эшакдан тушаётган қизига: “Ҳа, қизим, бирон–бир истагинг борми?” — деб
сўради. 15 “Менга бир совға қилсангиз, — деди Ахса. — Сиз менга Нагав чўлидаги
ерни бердингиз, энди сув булоқларини ҳам ҳадя этинг.” Шундай қилиб, Холиб
унга тепадаги ва пастдаги булоқларни берди.

Яҳудо ва Бенямин қабилаларининг ғалабалари

16 Яҳудо халқи пальма шаҳри Ерихони* тарк этди. Мусонинг қайнатаси
авлодидан бўлган Хайин халқи Яҳудо халқига эргашиб, Яҳудо чўлига йўл олди.
Улар Арод шаҳридан жануб томонда жойлашиб, у ерда маҳаллий халқ орасида
ўрнашиб олдилар. 17 Яҳудо ва Шимўн қабилалари биргаликда Зафат шаҳрида
яшайдиган Канъон халқига ҳужум қилиб, шаҳарни ер билан яксон қилишди.
Шунинг учун бу шаҳар Хўрмах* деб аталган. 18 Яҳудо қабиласи Ғазо, Ашқалон,
Эхрон шаҳарларини* ва уларнинг атрофидаги ерларни қўлга киритди.
19 Эгамизнинг Ўзи Яҳудо қабиласи билан бўлгани учун, улар қирларни эгаллаб
олдилар. Аммо текисликда яшайдиган халқларни ўз еридан қува олмадилар,
чунки ўша халқларнинг темир жанг аравалари* бор эди. 20 Мусо айтганидек*,
Хеврон шаҳри Холибга берилди. Холиб у ердан Оноқ авлодидан келиб чиққан
учта уруғни* қувиб чиқарди. 21 Бенямин қабиласи эса Қуддусда истиқомат қилган
Ёбус халқини ҳайдаб чиқармади. Шу сабабдан Ёбус халқи бугунга қадар*
Қуддусда, Бенямин авлодлари орасида яшаб келмоқда.

Эфрайим ва Манаше қабилалари Байтилни босиб олишади

22 Юсуфнинг иккала ўғли — Эфрайим ва Манашедан бино бўлган қабилалар
ҳам Байтил шаҳрига* ҳужум қилмоқчи бўлиб, йўлга чиқдилар. Эгамиз улар билан
эди. 23 Байтил ҳақида кўпроқ маълумот йиғиш учун улар ўз айғоқчиларини шаҳар
томон юбордилар. Байтил шаҳрининг эски номи Луз эди. 24 Айғоқчилар шаҳардан
чиқиб келаётган бир одамни кўриб, унга: “Бизга шаҳарга олиб кирадиган яширин
кириш жойини* кўрсат! Бунинг эвазига жонингни сақлаб қоламиз!” — дедилар.
25 Ўша одам уларга йўл кўрсатди. Эфрайим ва Манаше лашкарлари шаҳар
аҳолисини битта қўймай қиличдан ўтказишди. Йўл кўрсатган одамни эса бутун
оиласи билан бирга қўйиб юборишди. 26 Ўша одам Хет халқининг юртига* бориб
бир шаҳар қурди, унинг номини эса Луз деб қўйди. Ўша шаҳар бугунга қадар шу

ном билан аталади.

Исроил халқи қувиб чиқармаган ўзга халқлар

27 Манаше қабиласи Байт–Шан, Танах, Дўр, Йиблаём, Магидў шаҳарлари ва
уларнинг қишлоқларида яшаган Канъон халқини ҳайдаб чиқармади, улар ўша
ерларда яшайвердилар. 28 Вақти келиб, Исроил халқи кучини йиғиб олди, шунда
Канъон халқини ўзига бўйсундириб, қарол бўлиб хизмат қилишга мажбур қилди.
Аммо шунда ҳам ўз еридан ҳайдаб чиқармади.
29 Эфрайим қабиласи ҳам Гезер шаҳридаги Канъон халқини қувиб чиқармади.
Канъон халқи Гезерда уларнинг орасида яшайверди.
30 Забулун қабиласи ҳам Хитрўн ва Наҳалил шаҳарларида истиқомат қилган
Канъон халқини ҳайдаб чиқармади. Канъон халқи Забулун қабиласи билан бирга
яшаб, уларга қарол бўлиб хизмат қилишга мажбур бўлди.
31 Ошер қабиласи ҳам Аккў, Сидон, Ахлоб, Ахсиб, Хелба, Офиқ ва Рехоб
шаҳарларида яшайдиган Канъон халқини еридан ҳайдаб чиқармади. 32 Улар ўша
юрт аҳолисини ҳайдаб чиқармаганлари учун Канъон халқи билан бирга
яшадилар.
33 Нафтали қабиласи ҳам Байт–Шамаш ва Байт–Онот шаҳарларининг
аҳолисини ҳайдаб чиқармай, ерли халқ — Канъон халқи орасида яшаб қолди.
Лекин улар ўша шаҳарлар аҳолисини ўзига бўйсундириб, қарол бўлиб хизмат
қилишга мажбур қилдилар.
34 Бироқ Амор халқлари* Дан қабиласини сиқиб, қирларга чиқиб кетишга
мажбур қилдилар, водийга тушишларига йўл қўймадилар. 35 Амор халқлари
Хар–Харес, Ойжавлон ва Шалбим шаҳарларида яшайвердилар. Лекин Эфрайим ва
Манаше қабилалари уларга ўз ҳукмини ўтказиб, қарол бўлиб хизмат қилишга
мажбур қилдилар. 36 Амор халқлари яшаган ҳудуднинг чегараси Чаёнлар
довонидан* Селагача чўзилган ва у ердан шимолга қараб кетган эди.

2–БОБ

Эгамизнинг фариштаси Бохимда

1 Эгамизнинг фариштаси Гилгалдан* Бохимга келиб шундай деди:
— Мен сизларни Мисрдан олиб чиқдим. Онт ичиб, ота–боболарингизга
бераман деган юртга сизларни олиб кирдим. Мен: “Сизлар билан тузган аҳдимни
ҳеч қачон бузмайман”, деган эдим. 2 Сизларга: “Бу юрт халқлари билан
аҳдлашманглар, уларнинг қурбонгоҳларини вайрон қилинглар”, деб
айтмаганмидим?! Лекин сизлар амримга итоат қилмай, тескарисини
қилдингизлар. 3 Бундай қилганингиз учун юртингизда яшаб юрган бу халқларни
Мен энди ҳайдаб чиқармайман. Улар сизларга душман бўлиб*, уларнинг худолари
сизларга тузоқ бўлади.
4 Эгамизнинг фариштаси бу сўзларни айтгач, бутун Исроил халқи фарёд
кўтарди. 5 Шундай қилиб, улар ўша ерни Бохим* деб атадилар ва Эгамизга
қурбонликлар келтирдилар.

Ёшуа вафот этади

6 Ёшуа Исроил халқини тарқатиб юборгандан сўнг, ҳар бир одам ўзига тушган
ерни мулк қилиб олиш учун йўлга тушганди. 7 Ёшуа даврида халқ Эгамизга
хизмат қилар эди. Улар Ёшуанинг ўлимидан сўнг, Эгамиз Исроил учун қилган
буюк ишларини кўрган оқсоқоллар даврида ҳам Эгамизга итоат қилишар эди.
8 Эгамизнинг қули Нун ўғли Ёшуа 110 ёшида оламдан ўтди. 9 Уни Гаш тоғининг

шимолида жойлашган Эфрайим қирларидаги Тимнат–Серахда*, ўзи улуш қилиб олган ерда дафн қилишди. 10 Бутун кекса авлод ҳам оламдан ўтди. Исроил халқининг ёш авлоди эса Эгамизни тан олмади, Унинг Исроил халқи учун қилган буюк ишларини билмади.

Исроил халқи Эгамизга сажда қилмай қўяди

11 Исроил халқи Эгамизнинг олдида қабиҳликлар қилди, улар Баал деган худонинг тасвирларига сиғина бошлашди. 12 Эгамиз уларни Мисрдан олиб чиққан бўлса–да, улар ота–боболарининг Худосидан юз ўгиришди. Бошқа худоларга — ён–атрофда яшовчи халқларнинг худоларига эргашишди. Уларга сажда қилиб, Эгамизнинг қаҳрини келтиришди. 13 Исроил халқи Эгамиздан юз ўгириб, Баалга ва Аштаретнинг тасвирларига сажда қилаётган эди. 14 Бундан ғазабланган Эгамиз уларни босқинчилар қўлига бериб, талон–тарож қилдирди ва ён–атрофдаги ғанимларга таслим қилди. Бундан буён Исроил халқи душманларига қаршилик кўрсата олмас эди. 15 Исроил халқи қаерда жанг қилмасин, Эгамиз огоҳлантирганидек, уларнинг бошларига фалокат келтириш учун ҳар сафар уларга қарши Ўзи чиқар эди. Исроил халқи оғир аҳволда қолган эди.

16 Эгамиз уларни босқинчилар қўлидан озод қилиш учун ҳакамларни* юборди. 17 Лекин улар ҳатто ҳакамларига қулоқ солмадилар. Эгамизга бевафолик қилиб, бошқа худоларга сажда қилавердилар. Улар Эгамизнинг амрларига итоат қилган ота–боболарига ўхшамай, тез орада аждодлари юрган ҳақ йўлдан оздилар. 18 Эгамиз уларга ҳакам юборар экан, ҳар бир ҳакам билан Ўзи бўлар эди, ўша ҳакам даврида халқини душманлардан халос қиларди. Чунки золим ва зўравонларнинг дастидан нолиган халққа Эгамизнинг раҳми келар эди. 19 Аммо ҳакам оламдан кўз юмгач, улар яна эски қилмишларига қайтишар эди. Ота–боболаридан ҳам баттар гуноҳлар қилиб, бошқа худоларга сажда қилишар, уларга сиғинишар эди. Бу одатларининг бирортасини ҳам қолдирмай, қилмишларини ўжарлик билан давом эттиришар эди. 20 Исроил халқидан қаттиқ ғазабланган Эгамиз шундай деди: “Бу одамлар гапимга кирмай, Мен ота–боболари билан тузган аҳдимни буздилар! 21 Шунинг учун Мен уларнинг ораларида Ёшуанинг ўлимидан кейин қолиб кетган бегона халқларнинг бирортасини ҳам уларнинг ҳузуридан ҳайдаб чиқармайман.” 22 Исроил халқи ота–боболари сингари Эгамизнинг йўлидан юриш–юрмаслигини кўриш учун, 23 Эгамиз бу халқларни Ёшуага таслим қилмаган эди. Уларнинг ҳаммасини бирданига ҳайдаб чиқармай, юртда қолишларига ижозат берган эди.

3–БОБ

Юртда қолган ўзга халқлар

1-2 Эгамиз, Канъон юртида бўлиб ўтган бирорта урушда қатнашмаган Исроил халқини синай, ҳеч қачон уруш кўрмаган бу янги авлодга жангни ўргатай деб, қуйидаги халқларни қолдирган эди: 3 бешта Филист бегини*, барча Канъон халқларини, Сидонликлар ва Баал–Хермон тоғидан то Лево–Хоматгача* Лубнон қирларида яшаган Хив халқини. 4 Улар ёрдамида Эгамиз Ўз халқи Исроилни синаб, Мусо орқали ота–боболарига берган амрларга итоат қилиш–қилмаслигини кўрмоқчи эди. 5 Шундай қилиб, Исроил халқи Канъон, Амор, Париз, Хив, Хет ва Ёбус халқларининг орасида яшади. 6 Улар ўша халқлар билан апоқ–чапоқ бўлиб, қиз олиб, қиз беришарди, ҳатто худоларига ҳам сиғинишарди.

Ўтниёл

7 Исроил халқи Эгамизнинг олдида қабиҳ ишлар қилар эди. Улар ўзларининг
Эгаси Худони эсларидан чиқариб, Баал ва Ашеранинг* тасвирларига сиғинишар
эди. 8 Бундан ғазабланган Эгамиз уларни Орам–Нахрайим* шоҳи Кушонриштамга
тобе қилиб қўйди. Улар саккиз йил давомида Кушонриштамнинг хизматида
бўлишди. 9 Аммо Исроил халқи Эгамизга илтижо қилгач, Эгамиз уларга
қутқарувчи қилиб Ўтниёлни юборди. Ўтниёл Холибнинг жияни, аниқроғи, кенжа
укаси Ханазнинг ўғли эди. 10 Эгамизнинг Руҳи Ўтниёлни қамраб олди. Ўтниёл
Исроил халқига ҳакам* бўлди. Ўтниёл шоҳ Кушонриштамга қарши жанг қилиб,
уни енгди, чунки Эгамиз шоҳни унинг қўлига берган эди. 11 Шундан кейин юртда
қирқ йил тинчлик, осойишталик бўлди. Сўнг Ханаз ўғли Ўтниёл оламдан ўтди.

Эҳуд

12 Исроил халқи Эгамизнинг олдида яна қабиҳликлар қилгани учун, Эгамиз
Мўаб юртининг* шоҳи Эглонни уларга қарши қўзғатди. 13 Шоҳ Эглон Оммон ва
Омолек халқлари билан биргаликда Исроил халқини енгиб, пальма шаҳри
Ерихони* қўлга киритди. 14 Шундай қилиб, Исроил халқи ўн саккиз йил давомида
Мўаб юртининг шоҳи Эглонга қарам бўлиб яшади.
15 Аммо Исроил халқи Эгамизга илтижо қилиши биланоқ, Эгамиз уларга Эҳуд
исмли бир қутқарувчини юборди. Гера ўғли Эҳуд Бенямин қабиласидан бўлиб,
чапақай эди. Исроил халқи Эҳуд орқали Мўаб шоҳи Эглонга ўлпон жўнатди.
16 Эҳуд ўзига узунлиги бир тирсак* бўлган ханжар ясаб, уни ўнг томонига,
кийимининг ичидан тақиб олганди. 17 У ўлпонни шоҳ Эглон ҳузурига олиб кирди.
Шоҳ Эглон ҳаддан ташқари семиз бир одам эди. 18 Эҳуд ўлпонни тақдим қилиб
бўлгач, ҳадяларни кўтариб келган одамлар билан бирга уйга йўл олди. 19 Бироқ
улар Гилгалдаги* тош ҳайкаллар* ўрнатилган жойга етганларида, Эҳуд изига
қайтди. У Эглоннинг олдига келиб: “Эй ҳазрати олийлари, сизга айтадиган бир
сирим бор”, — деди. Шоҳ: “Бизни холи қўйинглар!” — дейиши биланоқ, унинг
ҳузуридаги хизматкорлар чиқиб кетишди. 20 Шоҳ салқин болохонасида ёлғиз ўзи
қолди. Эҳуд унга яқинлашиб: “Мен сизга Худонинг хабарини етказмоғим лозим”,
— деди. Эглон ўрнидан турди. 21 Шунда Эҳуд ўнг тарафида осилган ханжарни чап
қўли билан суғуриб олиб, Эглоннинг қорнига санчди. 22 Ханжар сопи билан
Эглоннинг қорнига кириб кетди, тешигини эса ёғ қоплади. Эҳуд ханжарни
суғуриб олмади, ханжар тиғи шоҳнинг қорнини ёриб бутидан чиқди*. 23 Эҳуд
айвонга чиқди, болохона эшикларини ёпиб, қулфлади. 24 У кетиши биланоқ,
Эглоннинг хизматкорлари келишди. Эшик қулф эканлигини кўришгач: “Шоҳимиз
салқингина хонада ҳожатини чиқараётган бўлсалар керак” деган хаёлга боришди.
25 Аммо болохонанинг эшиклари ҳадеганда очилавермагандан сўнг, хизматкорлар
безовталанишди. Улар ташқарида анча кутиб қолишганидан кейин, калит олиб,
эшикни очишди. Қарашса, шоҳ ҳазратлари жонсиз ётган экан.
26 Эҳуд эса пайтдан фойдаланиб, қочиб қолган эди. У тош ҳайкаллар олдидан
ўтиб, Савиро шаҳрига борди. 27 Эфрайим қирларига етиб келганда бурғу чалиб,
Исроил халқини жангга даъват қилди. Эҳуд ҳаммани бошлаб қирлардан пастга
тушар экан, 28 Исроил халқига: “Орқамдан юринглар! — деди. — Душманимиз
Мўаб халқини Эгамиз сизларнинг қўлингизга берди–ку!” Исроил халқи Эҳудга
эргашди. Улар Иордан дарёсининг кечув жойларини қўлга олиб, бирорта одамни
ҳам у ердан ўтказишмади. 29 Ўша куни улар ўн мингтача бақувват ва жасур Мўаб
сипоҳларини ўлдиришди. Биронтаси ҳам Исроил халқининг қўлидан қочиб
қутулмади. 30 Ўша куни Исроил халқи Мўаб лашкарини мағлуб қилди. Юртда
саксон йил тинчлик, осойишталик бўлди.

Шамгар

31 Эҳуддан кейин Онот ўғли Шамгар ҳакам бўлди. У ҳам Исроил халқини
қутқариб, говрон* билан олти юз нафар Филист сипоҳини ўлдирди.

4–БОБ

Добира ва Барақ

1 Эҳуднинг ўлимидан сўнг Исроил халқи яна Эгамизнинг олдида қабиҳ ишлар
қилди. 2 Эгамиз эса уларни Хазор шаҳри тахтида ўтирган Канъон шоҳи Ёбинга
қарам қилиб қўйди. Унинг лашкарбошиси Харошет–Хагойим шаҳрида яшаган
Сисаро эди. 3 Ёбиннинг тўққиз юзта темир жанг араваси* бор эди. Унинг йигирма
йил давомида ўтказиб келган зулмига чидай олмаган Исроил халқи нажот сўраб,
Эгамизга илтижо қилди.

4 Айни замонда Лаппидўтнинг хотини бўлган пайғамбар аёл Добира Исроил
халқига ҳакам* бўлиб хизмат қилаётган эди. 5 У Рама ва Байтил шаҳарлари
ўртасида, Эфрайим қирларидаги маълум бир пальма дарахти тагида ўтирар,
Исроил халқи эса жанжалли масалаларни ечиш учун унинг олдига борар эди.
Кейинчалик халқ ўша пальма дарахтига Добира деб ном қўйди. 6 Бир куни Добира
Нафтали ерларидаги Кедеш шаҳрига бир одам жўнатиб, Барақни чақиртириб
келди. Барақ Абунавамнинг ўғли эди. Добира Барақка шундай деди:

— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз сенга амр қилмоқда: “Бор, ўзинг билан
Нафтали ва Забулун қабилаларидан ўн минг нафар одамни Товур тоғига* олиб
чиқ. 7 Мен Ёбиннинг лашкарбошиси Сисарони, жанг аравалари ва лашкари билан
Хишон дарёсининг ёнида сенга рўбарў қиламан. Бу жангда уларни сенинг
қўлингга бераман.”

8 — Агар сен мен билан борсанг, бораман, бормасанг, мен ҳам бормайман, —
деди Добирага Барақ.

9 Добира шундай жавоб берди:

— Албатта сен билан бораман, лекин билгинким, бу ғалаба сенга шараф
келтирмайди, зеро, Эгамиз Сисарони аёл кишининг қўлига беради.

Шундай қилиб, Добира Барақ билан Кедешга жўнади. 10 Барақ Нафтали билан
Забулун лашкарларини Кедешга тўплади. Тўпланганлардан ўн мингтаси Барақка
эргашди, Добира ҳам улар билан борди.

11 Шу орада Хайин халқидан бўлган Хабер исмли бир киши ўз
уруғ–аймоқларидан ажралиб, бошқа жойга кўчиб ўтган эди. У ўз чодирини
Кедешнинг яқинидаги, Зананимдаги эман дарахтининг ёнига қурган эди. Ўша
одам Мусонинг қайнағаси Хўвов уруғидан эди.

12 Сисаро Абунавам ўғли Барақнинг Товур тоғига чиққанини эшитгач, 13 тўққиз
юз темир жанг араваси билан жамики лашкарини Харошет–Хагойимдан олиб
чиқиб, Хишон дарёсида тўплади. 14 Шунда Добира Барақка деди: “Қани, бўл!
Эгамиз бугун Сисарони сенга таслим қилади. Эгамизнинг Ўзи сени жангга бошлаб
боради.” Барақ ўн мингта одамга бош бўлиб, Товур тоғидан тушди. 15 Барақ ҳужум
қилгач, Сисарони, унинг жанг араваларию лашкарини Эгамиз саросимага солди.
Сисаро жанг аравасидан тушди–да, қочиб қолди. 16 Барақ душман жанг
араваларини ва лашкарини Харошет–Хагойимгача таъқиб қилди. Сисаронинг
барча лашкарини қиличдан ўтказди, улардан бирортаси ҳам омон қолмади.

17 Сисаро қочиб, Хабернинг хотини Ёвелнинг чодирига борди, чунки Хазор
шоҳи Ёбин Хабер уруғи билан сулҳ тузган эди. Хабер Хайин халқидан эди. 18 Ёвел
Сисарони қарши олиб:

— Келинг, тўрам, ичкарига киринг, қўрқманг, — деди.
Сисаро ичкарига кирди, Ёвел уни чодир пардасининг орқасига яшириб қўйди.
19 Кейин Сисаро унга:
— Илтимос, озгина сув бер, чанқаб кетдим, — деди.
Ёвел мешни очиб, унга сутдан ичирди. Сўнг Сисарони яна парда билан тўсиб қўйди. 20 У эса Ёвелга шундай деди:
— Чодирнинг кираверишига бориб тур, агар бирортаси келиб сендан: “Бу ерда бирор одам борми?” — деб сўраса, “Йўқ”, — деб жавоб бер.
21 Сисаро чарчаганидан ётиб ухлаб қолди. Хабернинг хотини Ёвел эса бир қўлига чодир қозиғини, бошқа қўлига болға олиб секингина унинг олдига борди. Қозиқни Сисаронинг чаккасига қоқиб, бошини ерга қадаб қўйди. Сисаро ўлди.
22 Ёвел Сисарони қувиб келаётган Барақни қарши олгани чиқиб: “Келинг, мен сизга қидираётган одамингизни кўрсатаман”, — деди. Барақ чодирга кирди. Қараса, Сисаро ўлиб ётибди, чаккасига қозиқ қоқилган экан.
23 Ўша куни Худо Канъон халқининг шоҳи Ёбинни Исроил халқига бўйсундирди. 24 Исроил халқи кундан–кунга кучайиб, охири Канъон шоҳи Ёбинни бутунлай йўқ қилди.

5–БОБ

Добира ва Барақнинг қўшиғи

1 Абунавам ўғли Барақ билан Добира ўша куни шундай қўшиқ куйлашди:

2 “Исроил йўлбошчилари йўл бошлаганда,
Халқ фидойилик кўрсатганда,
Эгамизга ҳамду санолар айтинг!

3 Эшитинг, сизлар, эй шоҳлар!
Қулоқ солинг, эй йўлбошчилар!
Эгамизга мен қўшиқ айтарман,
Исроил халқининг Худоси — Эгамизни
Куйлаб соз чалармен.

4 Сен, эй Эгам, Сеирдан* йўлга чиққанингда,
Эдом бўйлаб юриш қилганингда,
Ер силкинди, осмон ёмғирин қуйди,
Ҳа, булутлар шаррос ёмғирин тўкди.
5 Тоғлар титради Синайдаги Эгамиз олдида,
Исроил халқининг Худоси — Эгамизнинг олдида.

6 Онот ўғли Шамгар даврида,
Ёвел замонида юрмай қўйганди карвон.
Йўловчилар сўқмоқдан юришга бўлди мажбур.
7 Исроил қишлоқлари ҳувиллаб қолди буткул.
Мен, Добира, келгунимга қадар,
Исроилнинг волидаси сингари,
Бўм–бўш эди Исроил қишлоқлари!
8 Янги худоларни Исроил халқи танлаганда,
Жанг қизиди шаҳар дарвозаларида.
На қалқони, на найзаси бор эди

Исроилнинг қирқ мингта сипоҳида.
9 Қалбим мойил Исроил йўлбошчиларига,
Халқнинг орасидаги фидойиларга.
Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

10 Эшитинг*, эй оқ хачир минганлар,
Қимматбаҳо эгарларда ўтирганлар!
Эй йўлда яёв юрганлар!
11 Қудуқ олдидаги чўпонларнинг* овозларин эшитинг.
Мадҳ қилаётир улар Эгамизнинг зафарларини,
Исроилдаги қишлоқларнинг ғалабаларини.

Шаҳар дарвозаларига ҳамла қилди Эгамиз халқи:
12 «Олға бос, Добира, олға бос илдам!
Олға бос, куйлагин жанговар қўшиқ!
Абунавам ўғли Барақ! Қани, бўл сен ҳам!
Асирларингни ўзинг бошлагин!»
13 Халқнинг қолгани бўйсундирди баҳодирларни,
Эгамиз халқи мағлуб қилди паҳлавонларни,
14 Омолекларни енгган Эфраимдан* чиққанди.
Бенямин ҳам сенга эргашди,
Мохир наслидан келишди лашкарбошилар,
Забулун қавмидан — ҳокимлик таёғин тутганлар.
15 Добирага қўшилди Иссахор йўлбошчилари,
Барақни қўллади Иссахор ўғлонлари.
Водийга шошилди улар Барақ ортидан.
Аммо беқарорлик қилди Рубеннинг насли.
16 Нега сизлар қўраларда қолдингиз, эй Рубен?
Чўпонларнинг қурей–қурейларин эшитганими?!
Беқарорлик қилди–ку Рубеннинг насли.
17 Гилад Иордан ортида қолди.
Дан ўз кемалари ёнида қолди.
Ошер денгиз соҳилида ўрнашиб олди,
Ўз кўрфазларида жойлашиб қолди.
18 Ўлимдан қўрқмади Забулун лашкари,
Жонин аямади Нафтали ҳам жанг майдонида.

19 Танахда, Магидў сувлари ёнида
Канъон шоҳлари уруш очишди.
Бироқ хазинани улар ўлжа қила олмади.
20 Жанг қилди юлдузлар самода туриб*,
Сисарога уруш қилди ўз йўлларида юриб.
21 Супуриб ташлади душманни Хишон дарёси,
Ўша кўҳна дарё — Хишон дарёси.
Эй жоним! Куч ила олға бос!

22 Тулпорлар келди дупур–дупур қилиб,
Сисаро отларининг туёқлари ерни тамғалаб.

23 «Мироз шаҳрини лаънатла,

— дейди Эгамизнинг фариштаси, —
Аҳолисини ҳам қаттиқ қарғагин,
Улар келмади Эгамизга мадад бергани,
Паҳлавонларга қарши Эгамизга мадад бергани.»

24 Хайин уруғидан бўлган Хабернинг хотини — Ёвел
Аёллар орасида барака топсин!
Чодирларда яшайдиган аёлларнинг бахтлиси бўлсин.
25 Сисаро сув сўраганда Ёвел келтирди сут,
Шоҳкосада қатиқ олиб келди у.
26 Чодир қозиғини қўлига олди,
Ўнг қўлида болғани тутди.
Зарба билан Сисаронинг бошини ёрди,
Чаккасига бир уриб, тешиб юборди.
27 Сисаро сулайиб йиқилиб тушди,
Ёвелнинг оёғи остида чурқ этмай қолди.
Ёвелнинг оёғи остида сулайиб қолди,
Йиқилган жойида жон таслим қилди.

28 Сисаронинг онаси деразадан кўчага қарар,
Панжара ортидан у зорланиб айтар:
«Аравалар қолиб кетди намунча?
Туёқлар овози эшитилмас ҳанузгача?»
29 Жавоб берар унинг доно аёллари,
Жавоб берар такрор–такрор ўзига ўзи:
30 «Бўлишаётгандир улар ўлжани,
Ҳар қайси сипоҳга бир–икки жувонни,
Сисарога ранг–баранг либосларни.
Ғолибларга олиб келар икки ҳисса қилиб
Нафис нақшли либосларни.»

31 Эй Эгамиз! Душманларинг барчаси
Сисарога ўхшаб қирилиб кетсин!
Дўстларинг–чи, чиқаётган қуёшдай
Чарақлаб турсин!”

Юртда қирқ йил тинчлик барқарор бўлди.

6–БОБ

Гидўн

1 Исроил халқи Эгамизнинг олдида қабиҳликлар қилди. Эгамиз уларни етти йилга Мидиён халқининг* қўлига берди. 2 Мидиёнларнинг зулмига чидай олмаган Исроил халқи тоғларда, ғорларда ва адирлардаги пана жойларда яшириниб юрди. 3 Ҳар сафар Исроил халқи экин экканда, Мидиёнлар, Омолек халқи ва шарқдаги кўчманчилар биргаликда уларнинг ерларига бостириб киришарди. 4 Улар Исроил ерида қароргоҳ қуриб, то Ғазо шаҳри атрофларигача бўлган ҳамма ҳосилларини нобуд қилишарди. Исроил халқи учун ҳеч қандай озуқа қолдирмай, қўй, эшак, молларигача тортиб олишарди. 5 Душман галалари ўзлари билан чорвасини олиб, ҳатто чодирларини ҳам кўтариб келишарди. Улар

чигиртка* каби ғижиллаб ётар эди, одамларнинг ва туяларининг саноғига етиб бўлмасди. Улар келиб, бутун юртни хароб қилишарди. 6 Мидиёнларнинг дастидан жабр–жафо кўрган Исроил халқи Эгамиздан нажот сўраб, фарёд қилди.

7 Исроил халқи Эгамизга фарёд қилганда, 8 Эгамиз уларга бир пайғамбар юбориб, қуйидагиларни хабар қилди:

— Исроил халқининг Худоси — Эгангиз шундай айтмоқда: “Сизларни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Мен эдим. 9 Мен сизларни Мисрликларнинг қўлидан ҳамда бу юртда сизларга зулм ўтказган барча халқлардан халос қилдим. Уларни ўз юртларидан ҳайдаб, ерларини сизларга бердим. 10 Сизларга, Мен Эгангиз Худоман, сизлар Амор халқларининг* юртида яшаб юрсангиз ҳам, уларнинг худоларига сажда қилманглар, деган эдим. Аммо сизлар гапларимга қулоқ солмадингизлар.”

11 Кейин Эгамизнинг фариштаси Ўфра шаҳрига келиб, эман дарахтининг тагида ўтирди. Бу дарахт Абуазар уруғидан бўлган Йўшга тегишли эди. Ўша пайтда унинг ўғли Гидўн Мидиёнлардан бекиниб, узум сиқиш чуқурида* буғдой янчаётган эди. 12 Эгамизнинг фариштаси унга зоҳир бўлиб деди:

— Эй довюрак жангчи, Эгамиз сен билан биргадир.

13 — Агар Эгамиз биз билан бирга бўлса, нима учун бу кулфатлар бошимизга тушган экан?! — деди Гидўн. — Ота–боболаримиз: “Эгамиз бизни Мисрдан олиб чиқди”, дея бизга айтиб берган эди, Эгамизнинг ажойиб ишлари қаерда қолди?! Эгамиз бизни тарк этиб, Мидиёнларнинг қўлига бериб қўйди–ку.

14 Шунда Эгамиз унга қараб деди:

— Қани, бўл, бор қудратингни ишга солиб, Исроил халқини Мидиёнларнинг қўлидан халос қил. Мен Ўзим сени юборяпман.

15 — Эй тўрам*, қандай қилиб мен Исроил халқини халос қила оламан? — деди Гидўн. — Менинг уруғим Манаше қабиласининг энг заифи бўлса, ўзим эса отам хонадонининг кенжаси бўлсам.

16 Эгамиз унга деди:

— Мен сен билан бўламан, сен Мидиёнларнинг ҳаммасини бир одамни енггандай осонликча енгасан.

17 Шунда Гидўн деди:

— Агар марҳаматингга сазовор бўлган бўлсам, Сен чиндан ҳам Эгам эканлигингни исботлаб, бирон–бир аломат кўрсат. 18 Назр олиб келиб, Сенга тақдим қилмагунимча бу ердан кетма.

— Майли, қайтиб келгунингга қадар шу ерда бўламан, — деди У.

19 Гидўн уйига бориб, битта улоқчани пиширди, бир тоғора* ундан юпқалар тайёрлади. Улоқчанинг гўштини саватга, шўрвасини эса товоққа солиб, эман дарахтининг тагида ўтирган Эгамизнинг фариштасига олиб бориб, тақдим қилди. 20 Эгамизнинг фариштаси унга деди:

— Гўшт ва юпқаларни олиб, мана бу тошнинг устига қўйгин, шўрвани эса буларнинг устидан қуй.

Гидўн айтилгандай қилди. 21 Эгамизнинг фариштаси қўлидаги таёқнинг учини гўшт ва юпқаларга теккизиши биланоқ тошдан олов чиқиб гўшт ва юпқаларни куйдириб юборди. Сўнг Эгамизнинг фариштаси кўздан ғойиб бўлди. 22 Шунда Гидўн ўша одам Эгамизнинг фариштаси эканлигини фаҳмлаб:

— Вой, шўрим қуриди! — деди. — Ё Эгам Раббий, мен фариштангнинг юзини кўрдим*.

23 Эгамиз:

— Тинчлан, — деди. — Қўрқма, сен ўлмайсан.

24 Гидўн Эгамизга атаб бир қурбонгоҳ қуриб, унинг номини “Эгамиз
тинчликдир” деб атади. Қурбонгоҳ бугунга қадар* Абуазар уруғига қарашли
бўлган Ўфрада бор.
25 Худди ўша куни кечаси Эгамиз Гидўнга шундай деди: “Отангнинг етти яшар
иккинчи буқасини* ол, отанг Баалга атаб қурдирган қурбонгоҳни вайрон қил.
Қурбонгоҳ ёнидаги Ашерага* аталган устунни ҳам кесиб ташла. 26 Шу ердаги
қалъанинг тепасига чиқиб, Эганг Худога — Менга атаб бир қурбонгоҳ қур.
Қурбонгоҳ тошлари бир–бирининг устига текис терилган бўлсин. Сўнг ўша
буқани* олиб, қурбонгоҳда қурбонлик қилиб куйдир. Ўтин ўрнига кесиб
ташланган устунни ишлат.” 27 Гидўн ўнта хизматкорини олиб, худди Эгамиз
айтгандай қилди. Аммо уйдагиларидан ва шаҳардаги одамлардан қўрққанидан
буни кундуз куни қилмай, кечаси қилган эди.
28 Шаҳар аҳолиси эрта билан саҳарда турганда Баал қурбонгоҳи вайрон
бўлганини, ёнидаги Ашеранинг устуни кесиб ташланганини ва янги қурилган
қурбонгоҳнинг устида буқа қурбонлик қилинганини кўришди. 29 Улар
бир–бирларидан: “Буни ким қилган экан?” деб сўрай бошладилар.
Сўраб–суриштиргандан кейин буни Йўш ўғли Гидўн қилганини аниқлашди.
30 Шунда шаҳар аҳолиси Йўшга:
— Ўғлингни бу ерга олиб чиқ! — дедилар. — Биз уни ўлдирамиз! У Баал
қурбонгоҳини бузибди, қурбонгоҳ ёнидаги Ашеранинг устунини ҳам кесиб
ташлабди.
31 — Сизлар ҳали Баалнинг тарафини оляпсизларми?! — дея Йўш ғазабланган
оломонга дўқ урди. — Уни ҳимоя қиляпсизларми? Ким унинг тарафини олса, тонг
отгунча ўлдирилади. Агар у худо бўлса, вайрон бўлган қурбонгоҳи учун ўзи ўч
олсин.
32 Гидўн Баал қурбонгоҳини бузиб ташлагани учун, одамлар ўша кундан
бошлаб Гидўнни Еруббаал деб атай бошладилар. Бу: “Баал ўзи ўч олсин”
деганидир.
33 Мидиёнлар, Омолек халқи ва шарқдаги кўчманчилар биргаликда Иордан
дарёсидан ўтиб, Йизрил водийсида қароргоҳ қурдилар. 34 Эгамизнинг Руҳи
Гидўнни қамраб олди. Гидўн бурғу чалиб, Абуазар уруғидан бўлганларни ўзига
эргашишга чақирди. 35 У бутун Манаше ҳудуди бўйлаб чопарлар жўнатиб, у
ердагиларни ҳам ўз атрофига йиғди. У Ошер, Забулун ва Нафтали қабилаларига
ҳам ўз чопарларини юборган эди. Улар ҳам келиб Гидўнга қўшилишди.
36 Шунда Гидўн Худога деди: “Исроил халқини мен орқали озод қилишингни
айтган эдинг, бунга амин бўлмоқ учун, 37 мана мен титилган жунни хирмонга
қўяман. Агар эрталаб шудринг фақатгина жуннинг устида бўлиб, ер қуп–қуруқ
бўлса, Сен Исроил халқини мен орқали озод қилишингга ишонаман.” 38 Худди
шундай бўлди. Эртаси куни Гидўн барвақт туриб, жунни олиб сиқди, жундан бир
коса сув чиқди. 39 Шунда Гидўн Худога деди: “Менга қаҳринг келмасин, Сенга яна
биргина гапим бор. Илтимос, жун билан яна бир бор синов ўтказай. Бу сафар
шунақа қилгинки, жуннинг усти қуп–қуруқ, ернинг усти эса шудринг билан
қопланган бўлсин.” 40 Шу кечада Худо худди шундай қилди. Жуннинг усти
қуп–қуруқ бўлиб, ернинг усти эса шудринг билан қопланган эди.

7–БОБ

Гидўн Мидиёнларни яксон қилади

1 Еруббаал, яъни Гидўн, жамики лашкари билан барвақт туриб, қароргоҳини

Харўд булоғининг бўйида жойлаштирди. Мидиёнларнинг қароргоҳи эса улардан шимолда, Мўре тепалигининг* ёнидаги водийда жойлашган эди.

2 Эгамиз Гидўнга деди: “Сенинг лашкаринг жуда кўп бўлгани учун
Мидиёнларни қўлларингга беролмайман. Акс ҳолда, Исроил халқи, Мени
улуғламай, ғалабага ўз кучимиз билан эришдик, деб ўзига бино қўяди.
3 Душмандан қўрққанларга ижозат бер, Гилад тоғини* тарк этиб, уйларига қайтиб
кетсинлар.” Шундай қилиб, одамларнинг йигирма икки мингтаси қайтиб кетиб,
ўн мингтаси қолди.

4 Кейин Эгамиз Гидўнга деди: “Қолган лашкар ҳам кўплик қилади. Уларни сув
бўйига олиб туш, у ерда сенга уларни ажратиб бераман. Мен сенга, буниси сен
билан боради деганим сен билан боради, буниси эса сен билан бормайди деганим
сен билан бормайди.”

5 Гидўн лашкарни сув бўйига олиб тушди. Эгамиз унга деди: “Сувни итга
ўхшаб, ялаб ичганларнинг ҳаммасини бир тарафга, чўккалаб ичганларни эса
бошқа тарафга турғизиб қўй.” 6 Сувни ҳовучлаб ялаганларнинг сони уч юзта эди.
Лашкарнинг қолганлари эса чўккалаб сувни ичганди. 7 Эгамиз Гидўнга деди:
“Сувни ялаб ичган уч юзта одам билан сизларни озод қилиб, Мидиёнларни
қўлларингга бераман. Қолганларни қўйиб юбор, уйларига қайтиб кетаверишсин.”
8 Гидўн уч юзта одамдан бошқа ҳаммасини уйларига қайтариб юборди. Аммо
кетганларнинг озиқ–овқатию бурғуларини олиб қолди.

Мидиёнларнинг қароргоҳи пастда, водийда жойлашган эди.

9 Ўша куни кечаси Эгамиз Гидўнга деди: “Тур, қароргоҳга ҳужум қил. Мен уни
сенинг қўлингга бердим. 10 Агар қўрқаётган бўлсанг, Пурах деган хизматкорингни
олиб, қароргоҳга туш. 11 Мидиёнларнинг гапини эшитгач, юрак ютиб қароргоҳга
ҳужум қиласан.” Гидўн Пурах исмли хизматкорини олиб пастга, ёв қароргоҳининг
этагига тушди. 12 Мидиёнлар, Омолек халқи ва шарқдаги кўчманчилар водийда
чигирткадай* ғижиллаб ётарди. Уларнинг туялари эса денгиз қирғоғидаги
қумдай сон–саноқсиз эди. 13 Гидўн ёв қароргоҳига етиб борганда, бир одам
ўзининг биродарига тушини айтиб бераётганини эшитиб қолди. Ўша одам
шундай ҳикоя қилаётган эди:

— Мен бир туш кўрдим. Тушимда арпадан пиширилган қандайдир бир нон
Мидиён қароргоҳига юмалаб келиб, чодирга урилибди. Чодир эса ағдарилиб
тушибди.

14 — Бу аниқ Исроил халқидан бўлган Йўш ўғли Гидўннинг қиличидир! — деди
биродари. — Худо Мидиёнларни барча лашкарлари билан унинг қўлига берган
экан–да!

15 Гидўн туш таъбирини эшитгач, Худога сажда қилди. Орқага — Исроил
халқининг қароргоҳига қайтиб: “Қани, кетдик! Эгамиз Мидиён лашкарларини
қўлимизга берди”, — деди. 16 Кейин уч юзта одамни уч қисмга бўлиб, ҳар
бирининг қўлига биттадан бурғу ва бўш кўзадан берди. Кўзаларнинг ичида эса
биттадан машъала бор эди. 17 Гидўн лашкарига шундай деди:

— Ёв қароргоҳига яқинлашганимда мени яхшилаб кузатиб туринглар. Мен
нима қилсам, сизлар ҳам шуни қилинглар. 18 Қароргоҳни ўраб олинглар. Мен
ёнимдагилар билан бурғу чалганимда, сизлар ҳам бурғу чалиб, овозингиз борича:
“Эгамиз ва Гидўн учун олға!” деб бақиринглар.

19 Ярим тунда, душман қароргоҳида соқчилар энди алмашиб бўлган пайтда,
Гидўн ёнидаги юзта одам билан қароргоҳга яқинлашди. Улар бурғу чалиб,
қўлларидаги кўзаларни чарсиллатиб синдирдилар. 20 Лашкарнинг қолган икки
қисми ҳам бурғу чалиб, кўзаларни синдирди. Ҳаммалари ўнг қўлларида бурғу, чап

қўлларида машъала ушлаганча: “Эгамиз ва Гидўн учун олға!” — деб қичқирдилар.
21 Гидўн одамларининг ҳар бири қароргоҳ атрофидаги ўз жойида турарди.
Қароргоҳдагилар эса саросима ичида, бақириб қочишарди. 22 Гидўннинг уч юзта
одами бурғу чалганда, душман қароргоҳидаги лашкарлар бир–бирини ўлдира
бошладилар. Бу Эгамизнинг қудрати туфайли содир бўлди. Сўнг Мидиён
лашкарлари Зариро томон югуриб, то Байт–Шиттахгача, Таббот яқинидаги
Овил–Махла шаҳрининг* чегарасигача қочишди. 23 Шунда Гидўн Мидиёнларни
таъқиб қилиш учун Нафтали, Ошер ва Манаше қабилаларининг одамларини
чақиртирди.

24 У бутун Эфрайим қирлари бўйлаб чопарлар жўнатиб деди: “Пастга тушиб
Мидиёнларга қарши жанг қилинглар. Иордан дарёсининг ва Байт–Борогача
бўлган барча сув оқимларининг кечув жойларини қўлга олиб, Мидиёнларнинг
ўтишига йўл қўйманглар.” Эфрайим одамларининг ҳаммаси тўпланиб, Иордан
дарёсининг ва Байт–Борогача бўлган барча сув оқимларининг кечув жойларини
эгаллаб олдилар. 25 Улар Мидиёнларнинг иккита лашкарбошиси Орив ва Заёвни*
Иорданнинг шарқий қирғоғигача таъқиб қилиб, қўлга олишди. Оривни бир
қоянинг олдида, Заёвни эса узум сиқиш чуқурининг* олдида ўлдиришди.
Кейинчалик бу жойлар Орив қояси ва Заёв чуқури деб аталадиган бўлди. Сўнг
Мидиёнларни таъқиб қилишда давом этиб, Орив ва Заёвнинг бошларини Гидўнга
олиб боришди.

8–БОБ

Гидўн Мидиён шоҳларини қўлга олади

1 Эфрайим қабиласи Гидўнга:

— Нега бундай қилдинг? Мидиёнларга қарши жанг қилгани чиққанингда нега
бизни чақирмадинг? — дея у билан қаттиқ жанжаллашдилар.

2 Гидўн эса уларга деди:

— Мен қилган ишим билан сизларга тенг келармидим?! Эфрайимдаги узум
қолдиқлари кичкинагина бир қавмимнинг жами ҳосилидан аъло–ку! 3 Сизлар
Худонинг қудрати билан Мидиён лашкарбошилари Орив ва Заёвни қўлга олган
бўлсангиз, ўз ишларим билан сизларга тенг келармидим?!

У бу гапларни айтгандан кейин, улар жаҳлдан тушдилар.

4 Гидўн уч юзта одами билан Иордан дарёсига келиб нариги қирғоққа ўтиб
олди*. Улар ҳолдан тойган бўлсалар–да, душманнинг кетидан қувиб кетаётган
эдилар. 5 Гидўн Сухот шаҳри аҳолисига мурожаат қилиб:

— Эй халойиқ, марҳамат қилиб одамларимга озгина нон беринглар, улар
ҳолдан тойганлар. Биз Мидиён шоҳлари Зевах ва Залмунонинг кетидан қувиб
кетяпмиз, — деди.

6 Аммо Сухот бошлиқлари шундай жавоб беришди:

— Зевах ва Залмунони қўлга олган бўлсанг экан, лашкарингга нон берсак.

7 — Жуда соз! — деди Гидўн. — Зевах ва Залмунони Эгамиз менинг қўлимга
бергандан сўнг, сизларни чўлдаги янтоқ ва чақир тиканаклар билан савалаб,
терингизни шилиб оламан.

8 Гидўн у ердан Паниёл шаҳрига* йўл олди. У ердагиларга ҳам худди шундай
илтимос билан мурожаат қилди. Сухот аҳолиси қандай жавоб берган бўлса,
Паниёл аҳолиси ҳам худди шундай жавоб берди. 9 Гидўн Паниёл аҳолисига деди:

— Ғолиб бўлиб қайтиб келганимдан сўнг бу минорани* ер билан яксон
қиламан.

10 Ўша пайтда Зевах ва Залмуно ўз лашкарлари билан Кархорда турган эдилар.
Шарқдаги кўчманчиларнинг 120.000 нафар сипоҳи ҳалок бўлиб, 15.000 тачаси
қолганди. 11 Гидўн Навах ва Ёҳбохонинг шарқ томонидаги карвон йўли бўйлаб
бориб, душманни ғафлатда қолдириб ҳужум қилди. 12 Зевах ва Залмуно қочишди,
Гидўн эса уларнинг кетидан қувиб кетди. Икки Мидиён шоҳини қўлга олиб, бутун
душман лашкарини саросимага солди.
13 Йўш ўғли Гидўн жангдан қайтиб, Харес довони томон кетаётганда,
14 Сухотлик бир йигитчани ушлаб олиб, сўроққа тутди. Йигитча Сухот шаҳрининг
етмиш еттита бошлиқ ва оқсоқолини номма–ном айтиб берди. 15 Сўнг Гидўн
Сухот аҳолисининг олдига бориб деди:
— Эсларингдами мени масхара қилиб, Зевах ва Залмунони қўлга
олганмидингки, биз ҳолдан тойган лашкарингга нон берсак, деб айтганларинг?
Мана ўша Зевах ва Залмуно.
16 Гидўн янтоқ ва чақир тиканакларни олиб, Сухот бошлиқларининг
таъзирини берди. 17 Паниёлдаги минорани ҳам вайрон қилиб, шаҳарнинг барча
эркакларини қириб ташлади.
18 Сўнг Зевах ва Залмунога юзланиб:
— Сизлар Товур шаҳрида ўлдирган одамлар қандай эди? — деб сўради.
— Улар сенга ўхшаган, кўринишлари шоҳ ўғилларидай савлатли эди, — дея
жавоб беришди улар.
19 — Улар менинг жигарларим эди–ку! — дея хитоб қилди Гидўн. — Биз бир
қориндан талашиб тушган эдик. Худо шоҳид! Уларни ўлдирмаганларингда, мен
ҳам жонларингни сақлаб қолган бўлардим.
20 Сўнг тўнғич ўғли Этерга:
— Бор, уларни ўлдир! — деди.
Аммо бола қўрққанидан қиличини ҳам чиқармади, чунки у ҳали ёш эди.
21 Шунда Зевах ва Залмуно:
— Эркак бўлсанг, ўзинг келиб бизни ўлдир, — дедилар.
Гидўн Зевах ва Залмунони ўлдириб, туяларининг бўйнидаги шоҳона
безакларини олди.
22 Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг Исроил халқи Гидўннинг олдига келиб:
— Сен бизни Мидиёнларнинг қўлидан қутқардинг, энди ўзинг, ўғилларинг ва
набираларинг бизга ҳукмдор бўлинглар, — дейишди.
23 — Мен сизларга ҳукмдор бўлмайман, — деди Гидўн, — ўғлим ҳам
ҳукмдорингиз бўлмайди. Эгамнинг Ўзи сизларга ҳукмронлик қилсин.
24 Кейин давом этиб:
— Сизлардан бир нарса сўрамоқчиман, — деди. — Ўлжаларингдан биттадан
тилла зирак берсангизлар.
Мидиёнлар ҳам, Исмоил авлоди сингари*, тилла зираклар тақиб юришарди.
25 — Жонимиз билан, — деб жавоб берди Исроил халқи.
Сўнг бир кийим ёйиб, ҳар бири ўлжа қилиб олган тилла зиракдан ўша кийим
устига ташлади. 26 Тилла зиракларнинг ўлчови бир пуддан ортиқ* олтин чиқди.
Мидиён шоҳлари кийган сафсар либослар, таққан ярим ой шаклидаги ва
шокилали безаклар ҳамда туяларининг бўйнидаги тилла занжирлар ҳисобга
киритилмаганди. 27 Гидўн ўша олтиндан бир ҳайкал* ясаб, уни ўз шаҳри Ўфрага
ўрнатиб қўйди. Бутун Исроил халқи Худога бевафолик қилиб, ўша ердаги
ҳайкалга сиғина бошлади. Бу ҳайкал Гидўн ва унинг оиласи учун тузоқ бўлиб
қолди.
28 Шундай қилиб, Мидиёнлар мағлуб бўлдилар. Улар Исроил халқига қарши

бош кўтаришга қайта журъат этмадилар. Гидўн пайтида юртда қирқ йил тинчлик барқарор бўлди.

Гидўннинг ўлими

29 Йўш ўғли Гидўн* уйига қайтиб кетди. 30 Унинг етмишта ўғли бор эди, чунки
хотинлари ниҳоятда кўп эди. 31 Шакам шаҳридаги чўриси* ҳам Гидўнга бир ўғил
туғиб берди. Гидўн унга Абумалек деб исм қўйди. 32 Гидўн улуғ ёшга кириб
оламдан ўтди ва Ўфра шаҳридаги отаси Йўшнинг хилхонасига дафн этилди. Бу
шаҳар Абуазар уруғига қарашли эди.

33 Гидўн оламдан кўз юмиши биланоқ, Исроил халқи яна Худога бевафолик
қилиб, Баалнинг тасвирларига сиғина бошлади, улар Баал–Беритни* ўзларига
худо қилдилар. 34 Уларни атрофдаги душманлардан халос қилган Эгаси Худони
эсларидан чиқардилар. 35 Еруббаал, яъни Гидўн, Исроил халқи учун қилган шунча
яхшиликларига қарамай, Исроил халқи унинг хонадонига содиқ қолмади.

9–БОБ

Абумалек

1 Гидўн* ўғли Абумалек Шакам шаҳрига — тоғаларининг олдига бориб, барча
уруғ–аймоқларига шундай деди:

2 — Шакам бекларининг ҳузурига боринглар, уларга: “Устингиздан Гидўннинг
етмишта ўғли ҳукмронлик қилганидан кўра, биттаси ҳукмронлик қилгани яхши
эмасми?” деб айтинглар. Мен сизларнинг жигарингиз эканимни ҳам эсларингдан
чиқарманглар.

3 Тоғалари Абумалекнинг манфаатини кўзлаб, бу сўзларни Шакам бекларига
етказдилар. Шакам беклари эса: “Ҳар қалай Абумалек қариндошимиз”, дея унинг
тарафдорлари бўлдилар. 4 Шакам беклари унга Баал–Берит* уйидаги етмиш бўлак
кумушни* бердилар. Абумалек эса бу кумушга ярамас одамларни ёллади. 5 У
Ўфрага — отасининг уйига бориб, етмишта ўгай ака–укасини бир тош устида
қатл қилди. Аммо Гидўннинг кенжа ўғли Йўтом бекиниб, тирик қолди. 6 Сўнг
Шакам* беклари ва Байт–Миллода яшовчилар Шакамдаги муқаддас эман
дарахтининг олдига бориб, у ерда Абумалекни тахтга кўтаришди.

7 Йўтом буни эшитгач, Гаризим тоғининг тепасига чиқиб хитоб қилди:

“Эй Шакам беклари, гапимни эшитинглар, шунда Худо ҳам сизларни
эшитгай! 8 Бир замонда дарахтлар ўзларига шоҳ танламоқчи бўлишибди.
Улар зайтун дарахтига:

— Шоҳимиз бўл, — дейишибди.

9 Зайтун дарахти уларга шундай жавоб берибди:

— Худолар ва бандалар шарафига ишлатиладиган мойимни бермай
қўйиб, дарахтлар узра шохларимни силкитиб турайми?!

10 Шунда дарахтлар анжирга:

— Сен келиб, шоҳимиз бўла қол, — деб айтишибди.

11 Анжир дарахти ҳам шундай жавоб берибди:

— Ийе, ширин ва лаззатли меваларимни тугмай, дарахтлар узра
шохларимни силкитиб турайми?!

12 Сўнг дарахтлар токка:

— Бизга сен ҳукмронлик қила қол, — дейишибди.

13 Ток ҳам жавоб бериб шундай дебди:

— Худолар ва бандалар димоғини чоғ қиладиган шаробимни бермай

қўйиб, дарахтлар узра новдаларимни силкитиб турайми?!
14 Охири дарахтларнинг барчаси янтоққа дейишибди:
— Сен келиб, бизга ҳукмронлик қилгин.
15 Янтоқ эса дарахтларга:
— Агар мени сидқидилдан шоҳликка кўтараётган бўлсангизлар, келиб соямда паноҳ топинглар, акс ҳолда, тиканларимдан чиққан олов авж олиб, ҳатто Лубнондаги садрларни* ҳам куйдириб ташлайди! — деб жавоб берибди.
16 Шу тариқа сизлар ҳам Абумалекни тахтга сидқидилдан, виждонан кўтардингизми?! Гидўн ва унинг хонадонига нисбатан тўғри иш тутдингизми?! Қилмишларингиз отамнинг сизлар учун қилган эзгу ишларига лойиқ эканми?! 17 Отам жонини аямай сизлар учун жанг қилган эди, сизларни Мидиёнларнинг қўлидан қутқарган эди. 18 Сизлар эса отамнинг хонадонига қарши чиқиб, унинг етмиш нафар ўғлини бир тошнинг устида қатл қилдингизлар. Чўриси туққан Абумалекни эса қариндошингиз бўлгани учун Шакам бекларининг устидан шоҳ қилиб тайинладингизлар. 19 Агар бугун Гидўн хонадонига нисбатан виждонан иш тутган бўлсангиз, Абумалекдан мамнун бўлиб шодланинг, у ҳам сизлардан мамнун бўлиб шодлансин. 20 Акс ҳолда, Абумалекдан олов чиқиб, Шакам ва Байт–Милло бекларини ямлаб юборсин. Шакам ва Байт–Милло бекларидан ҳам олов чиқиб, Абумалекни куйдириб йўқ қилсин.”

21 Сўнг Йўтом Абумалекдан қўрққанидан Бэр ҳудудига қочиб қолди.
22 Абумалек уч йил Исроилда ҳукмронлик қилди. 23 Худо эса Абумалек ва Шакам беклари орасида низо чиқариш учун бир руҳ юборди. Шунинг учун Шакам беклари Абумалекка хоинлик қилишди. 24 Бу ҳодиса Гидўннинг етмишта ўғлини ўлдирган Абумалекдан ва унинг бу жиноятини қўллаб турган Шакам бекларидан қасос олинишининг дараги эди. 25 Шундай қилиб, Шакам беклари Абумалекка қарши тоғларнинг тепаларида, пистирмаларда одамларини ўтирғизиб қўйишганди. Улар ўтган–кетганларни талаб, бор–йўғини тортиб олишарди. Абумалек бундан хабар топди.
26 Гал исмли бир одам ўз оға–инилари билан Шакамга кўчиб келди. У Шакам бекларининг ишончини қозонди. Гал Эвид деган одамнинг ўғли эди.
27 Шакамликлар далага чиқиб, узумзорларидан узум теришди, уни эзиб шароб тайёрлашди, сўнг зиёфат қилишди. Улар худосининг уйида ўтириб, зиёфат қилишар экан, еб–ичиб Абумалекни мазах қилишди: 28 “Абумалек ким бўлибдики, биз, Шакамликлар, унга хизмат қилсак? — шанғиллаб гапини бошлади Гал. — Падари бузрукворимиз Хамўр бу шаҳарга асос солган эди. Шундай экан, Хамўр наслидан бўлган бирон‌та одам бизга ҳукмронлик қилиши керак. Абумалек эса етти ёт бегона бўлган Гидўннинг ўғли–ку! Нега биз унинг ва ҳокими Забулнинг олдида бош эгишимиз керак экан? 29 Агар бу одамлар қўлим остида бўлганда эди, Абумалекни ўзим йўқ қилардим! Унга, лашкарингни кўпайтириб, жангга чиқ, деган бўлардим.”
30 Шаҳар ҳокими Забул Галнинг бу сўзларини эшитгач, ғазаби аланга олди. 31 У билдирмай Абумалекнинг олдига чопар жўнатиб* деди: “Қаранг, Эвид ўғли Гал бутун уруғи билан Шакамга келиб, шаҳарни сизга қарши қўзғатмоқда. 32 Шунинг учун ярим тунда лашкарингиз билан йўлга тушиб, далаларда яширининг.
33 Эртасига саҳарда туриб, шаҳарга қўққисдан ҳужум қилинг. Гал қўшинлари билан сизларга қарши чиққанда қўлингиздан келганича улар билан олишинг.”

34 Шундай қилиб, Абумалек лашкари билан ярим тунда йўлга тушди. Улар тўрт
қисмга бўлиниб Шакам яқинида писиб ётишди.
35 Гал чиқиб шаҳар дарвозасида турганда, Абумалек бир қисм лашкари билан
қирлар орқасидан чиқиб келди. 36 Гал уларни кўргач, Забулга деди:
— Қаранг! Қирлардан одамлар тушиб келмоқда!
— Қўйсанг–чи, — деди Забул. — Қирлар соялари кўзингга одамлар бўлиб
кўриняпти.
37 — Қаранг, қирлардан одамлар пастга тушиб келишяпти, бошқа бир қисми
эса фолбинларнинг дарахти* томонидан яқинлашяпти, — деди яна Гал.
38 — Катта кетиб: “Абумалек ким бўпти биз унга хизмат қилсак?” деб гапирган
сен эмасмидинг?! — деди шунда Забул, — сен мана шу лашкарни мазах қилган
эдинг–ку. Қани, бўл, энди чиқиб улар билан жанг қил.
39 Шакам беклари Гал бошчилигида чиқиб, Абумалекка қарши жанг қилишди.
40 Абумалек Гални қувиб кетди, аммо Гал қочиб қолди. Ўша куни Шакам
сипоҳларининг кўплари ҳалок бўлди, бутун жанг майдони то шаҳар
дарвозасигача жасадларга тўлди.
41 Абумалек Армахда* ўрнашди, Забул эса Гални барча қариндошлари билан
Шакамдан қувиб юборди. Улар энди Шакамда яшай олмас эдилар.
42 Эртаси куни Шакамликлар юмушларини бажармоқ учун далаларга
чиқмоқчи эканлигидан Абумалек хабардор бўлди. 43 У лашкарини уч қисмга
бўлди. Лашкар далалардаги қирларда писиб ётди. Абумалек шаҳардан чиқиб
келаётган одамларни кўриб, лашкари билан уларга ҳамла қилди. 44 Лашкарнинг
бир қисми Абумалек бошчилигида шаҳар дарвозасини қўлга киритди. Улар шаҳар
дарвозаси олдидан силжимадилар. Лашкарнинг қолган икки қисми эса даладаги
одамларга ҳужум қилиб, уларни қириб ташлади. 45 Ўша куни Абумалек кун бўйи
шаҳарга қарши жанг қилди. Охири шаҳарни қўлга олди. У ердаги ҳамма одамни
қатл қилди. Шаҳарни эса вайрон қилиб, устидан туз сочиб ташлади*.
46 Шакам қалъасининг беклари буни эшитгач, ўша ердаги Баал–Берит*
уйининг қўрғонига кириб, бекиниб олдилар. 47 Бекларнинг ҳаммаси қўрғонда
эканлигидан хабардор бўлган Абумалек 48 лашкари билан Залмон тоғининг*
тепасига чиқди. Қўлидаги болта билан бир боғлам ўтин кесиб, орқасига ортиб
олди. Сўнг лашкарига: “Қани, сизлар ҳам худди шундай қилинглар”, деб буюрди.
49 Сипоҳларнинг ҳар бири бир боғламдан ўтин кесиб олди. Улар Абумалекка
эргашиб ўтинларни қўрғоннинг атрофига териб чиқдилар, сўнг қалъага ўт
қўйдилар. Қалъадаги ҳамма одамлар ҳалок бўлди. У ерда мингтача аёл ва эркак
киши бор эди.
50 Шундан сўнг Абумалек Тавоз шаҳрига йўл олди. Шаҳарни қамал қилиб,
қўлга киритди. 51 Аммо шаҳарнинг ичида жуда баланд бир қўрғон бор эди.
Шаҳардаги аёлу эркаклар, ҳамма шаҳар беклари ўша қўрғон ичига қочиб
киришди. Улар эшикларни тамбалаб, томга чиқиб олишди. 52 Абумалек
қўрғондагиларга қарши жанг қилди, унга ўт қўймоқчи бўлиб, ёнига борди. 53 Шу
пайт бир аёл тепадан тегирмон тошини улоқтириб, Абумалекнинг бошини ёриб
юборди. 54 Жон талвасасида Абумалек қуролбардорини ёнига чақириб:
— Бўл, қиличингни суғуриб мени ўлдир, — деди, — яна одамлар: “Уни аёл
киши ўлдирди”, деб юришмасин.
Шунда йигит қилич суқиб, Абумалекни ўлдирди. 55 Одамлар Абумалекнинг
ўлганини кўриб уйларига тарқалиб кетишди. 56 Отасига хиёнат қилиб, етмишта
ака–укасини ўлдирган Абумалекни Худо шу йўсинда жазолаган эди. 57 Шунингдек,
Шакамликларнинг ҳам қилган қабиҳликлари учун таъзирини берган эди. Улар

Гидўн ўғли Йўтомнинг қарғишига йўлиқдилар.

10–БОБ

Тўло

1 Абумалекнинг ўлимидан сўнг Пувах ўғли Тўло Исроил халқини
душманлардан озод қилди. У Иссахор қабиласидан бўлган Дўдўнинг набираси
бўлиб, Эфрайим қирларидаги Шомир шаҳрида истиқомат қиларди. 2 У Исроил
халқига йигирма уч йил давомида ҳакам* бўлиб хизмат қилди. Сўнгра оламдан
кўз юмиб, Шомирда дафн қилинди.

Ёвир

3 Ундан кейин Гиладлик Ёвир ҳакам бўлди. У йигирма икки йил давомида
Исроилга раҳнамолик қилди. 4 Унинг ўттизта ўғли бор эди. Улар ўттизта эшакни
минишар ва Гилад ўлкасидаги ўттизта шаҳарга эгалик қилишарди*. Бу шаҳарлар
бугунга қадар* Ёвир шаҳарлари* деб аталади. 5 Ёвир оламдан ўтиб, Камонда дафн
қилинди.

Йифтох

6 Исроил халқи яна Эгамизнинг олдида қабиҳликлар қилиб, Баал ва
Аштаретнинг тасвирларига сиғиниш билан бир қаторда, Орам, Сидон, Мўаб,
Оммон ва Филист халқларининг худоларига сажда қилди. Эгамиздан юз ўгириб,
Унга сажда қилмай қўйди. 7 Бундан ниҳоятда ғазабланган Эгамиз Исроил халқини
Филист ва Оммон халқларининг қўлига берди. 8 Ўша йили улар Исроил халқига
зулм қилиб, роса эздилар. Иорданнинг шарқида, яъни Гилад ўлкасида истиқомат
қилган Исроил халқига улар ўн саккиз йил давомида зулмини ўтказиб келдилар.
Илгарилари бу ерлар Амор халқига тегишли эди. 9 Шуниси етмагандай, Оммон
халқи Яҳудо, Бенямин ва Эфрайим қабилаларига ҳам ҳужум қилмоқчи бўлиб,
Иордан дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб олган эди.

Бундан қаттиқ ташвишга тушган 10 Исроил халқи:

— Биз гуноҳ қилдик! — дея Эгамизга фарёд қилди. — Биз ўз Худойимиздан юз
ўгириб, Баалнинг тасвирларига сиғиндик.

11 Эгамиз эса уларга шундай деди:

— Мен сизларни Миср, Амор, Оммон ва Филист халқларининг зулмидан
қутқардим. 12 Сидонликларнинг, Омолек ва Моюн* халқларининг жабру зулмидан
нолиб, Менга ёлворганингизда, сизларга нажот бердим. 13 Шунга қарамай, сизлар
Мендан юз ўгириб, бошқа худоларга сиғиндингизлар. Бўлди, етар! Энди сизларни
қутқармайман! 14 Бориб, ўзларингиз танлаб олган худоларингизга илтижо
қилинглар. Қийналганингизда улар сизларга нажот беришсин.

15 — Биз гуноҳ қилдик! Бизга хоҳлаганингни қил, аммо бугун бизни
душманларимиздан қутқаргин, — дея ўтинди Исроил халқи Эгамиздан.

16 Шундай қилиб, улар бегона худоларнинг тасвирларини йўқ қилиб, Эгамизга
сажда қилдилар. Исроил халқининг чеккан азоб–уқубатларини кўрган Эгамиз
уларга ниҳоятда ачинди.

17 Оммон халқи одамларини жангга сафарбар қилиб, қароргоҳини Гилад
ўлкасида жойлаштирди. Исроил халқи эса тўпланиб, қароргоҳини Миспахда*
жойлаштирди. 18 Исроил қабилаларининг раҳнамолари: “Оммон халқига ким
биринчи бўлиб ҳужум қилар экан?” — дея бир–бирларига қараб олишди. Сўнг:
“Жангни бошқарган одам Гиладга ҳоким бўлади” деган қарорга келишди.

11–БОБ

1 Гиладлик Йифтох довюрак жангчи эди. Унинг отаси Гилад, онаси эса фоҳиша
бир аёл эди. 2 Гиладнинг хотини ҳам унга ўғиллар туғиб берган эди. Улар
улғайгач, Йифтохга: “Отамиздан қолган меросга сенинг ҳеч қандай ҳақинг йўқ!
Бор, йўқол! Сен бошқа аёлнинг боласисан”, дея ҳайдаган эдилар. 3 Йифтох
ака–укаларидан қочиб, Тов юртига борган эди. Ўша ерда ўрнашиб олганидан сўнг,
атрофига ярамас одамларни тўплаб, босқинчилик қила бошлаган эди.
4 Орадан маълум вақт ўтгач, Оммон халқи Исроил халқига ҳужум қилди.
5 Оммон халқи Исроил халқига ҳужум қилганда, Гилад оқсоқоллари Йифтохни
олиб келгани Тов юртига жўнадилар.
6 Улар Йифтохга:
— Биз билан юра қол, — дедилар. — Оммон халқи билан жанг қилганимизда
бизга раҳнамолик қилгин.
7 — Сизлар мени менсимай отамнинг уйидан ҳайдаган эдингиз–ку! — дея
зарда қилди уларга Йифтох. — Нима учун энди бошингизга кулфат тушганда
менинг олдимга келдингизлар?
8 — Бўлар иш бўлди энди, — дейишди Гилад оқсоқоллари. — Биз сенинг
олдингга бош эгиб келдик, биз билан бориб Оммон халқига қарши жанг қил,
Гиладликларга ўзинг бош бўл.
9 Йифтох Гилад оқсоқолларига шундай деди:
— Хўп, майли, сизларга қўшилиб, Оммон халқига қарши жанг қилдим ҳам
дейлик. Борди–ю, Эгам душманларни қўлимга берса, мен сизларга ҳукмронлик
қиламан.
10 Гилад оқсоқоллари эса Йифтохни ишонтириб:
— Худо шоҳид, ҳаммаси айтганингдай бўлади, — дедилар.
11 Йифтох Гилад оқсоқоллари билан кетди. Халқ уни ҳоким ва лашкарбоши
қилиб тайинлади. Йифтох эса қўйган шартларини Миспахда* Эгамизнинг
ҳузурида қайд қилди.
12 Йифтох Оммон шоҳига чопарларни юбориб деди: “Орамизда нима бўлиб
ўтган эдики, сен менинг юртимга жанг қилиб келдинг?” 13 Оммон шоҳи Йифтох
чопарларига шундай жавоб берди: “Исроил халқи Мисрдан чиқиб келганда,
жанубдаги Арнон сойлигидан то шимолдаги Явоқ дарёсигача ва ғарбдаги Иордан
дарёсигача бўлган ҳамма ерларимни тортиб олган эди. Бориб Йифтохга
айтинглар, ерларимни менга тинчгина қайтариб берсин.”
14 Йифтох яна чопарларини Оммон шоҳига юбориб 15 деди:

“Исроил халқи на Мўаб, на Оммон ерларини тортиб олган. 16 Улар
Мисрдан чиққандан кейин, Қизил денгиз* томон саҳродан юриб, Кадешга*
келган эдилар. 17 Шунда Эдом шоҳи ҳузурига элчилар жўнатиб, Эдом юрти
орқали ўтиб кетишга ижозат сўрадилар. Аммо Эдом шоҳи қулоқ солмади.
Улар Мўаб шоҳидан ҳам ижозат сўрадилар, бироқ у ҳам рози бўлмагандан
кейин, Кадешда қолдилар. 18 Кейин улар саҳрога йўл олиб, Эдом ва Мўаб
юртларини айланиб ўтдилар. Мўаб ҳудудининг шарқий чегараси бўйлаб
юриб, қароргоҳни Арнон сойлигининг нариги қирғоғида қурдилар. Арнон
сойлиги Мўабнинг чегараси бўлгани учун, улар дарёдан ўтмадилар, Мўаб
юртига оёқларини ҳам босмадилар.
19 Сўнг элчиларини Хашбонда ҳукмронлик қилган Амор халқининг шоҳи
Сихўн олдига юбориб, ҳудудингиздан юртимизга ўтиб кетайлик, деб
ижозат сўрадилар. 20 Аммо шоҳ Сихўн рози бўлмади. У барча одамларини

йиғди–да, қароргоҳини Яхазда жойлаштириб, Исроил халқига ҳужум қилди. 21 Аммо Исроил халқининг Худоси — Эгамиз Сихўнни барча одамлари билан Исроил халқининг қўлига берди. Шунинг учун Исроил халқи ўша юртда истиқомат қилган Амор халқининг барча ерларини қўлга киритди. 22 Улар Арнондан Явоққача, саҳродан Иордангача бўлган Амор халқининг барча ерларига эга бўлдилар. 23 Исроил халқининг Худоси — Эгамизнинг Ўзи бу ерларни Амор халқидан тортиб олиб, Ўзининг халқи Исроилга берди. Шундай экан, уларни қайтариб олишга сенинг ҳеч қандай ҳақинг йўқ. 24 Ундан кўра, худойинг Хамўш берган нарсаларга эгалик қил!* Биз эса Эгамиз Худо бизга берган ҳамма нарсага эгалик қиламиз!

25 Нима, сенинг Зиппур ўғли Болоқдан ортиқ жойинг бормиди?!* У Мўаб шоҳи бўла туриб, Исроил халқи билан бирон марта ҳам тортишган эмас. Бирон марта ҳам бизга қарши жанг қилган эмас.

26 Исроил халқи уч юз йилдан бери Арнон сойлигининг бўйидаги шаҳарларда, Хашбон, Арор ва уларнинг атрофидаги қишлоқларда яшаб келмоқда. Нима учун шу пайтгача ўша ерларни қайтариб олмадинг?! 27 Мен сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмадим, сен эса менга қарши жанг қилмоқчи бўлиб нотўғри иш қиляпсан. Худога солдим, Унинг Ўзи бугун ким ҳақ, ким ноҳақ эканини кўрсатсин.”

28 Аммо Оммон шоҳи Йифтохнинг сўзларини эшитишни ҳам хоҳламади.

29 Эгамизнинг Руҳи Йифтохни қамраб олди. Йифтох Гилад ва Манаше ерларидан ўтиб, Гиладдаги Миспах шаҳрига етиб борди. У ердан йўлида давом этиб, Оммон юрти томон юрди. 30 Сўнг қасам ичиб, Эгамизга деди: “Агар жангда Оммон халқини енгишимга ёрдам берсанг, 31 уйимга эсон–омон қайтиб борганимдан сўнг мени қаршилаб чиққан биринчи тирик жонни Сенга қурбонлик қилиб куйдираман.” 32 Йифтох лашкари билан Оммон халқининг устига бостириб бориб, жанг қилди. Эгамиз Оммон халқини Йифтохга таслим қилди. 33 Йифтох Арордан Миннит атрофигача бўлган йигирмата шаҳарни ва Овил–Каромгача бўлган барча қишлоқларни вайрон қилди. Катта талафот кўрган Оммон халқи Исроил халқига бўйсунди.

Йифтохнинг қизи

34 Йифтох Миспахдаги ўз уйига қайтиб келганда, қизи чилдирма чалиб ўйнаганича, уни қаршилаб чиқди. Бу қиз унинг ёлғиз фарзанди эди. 35 Йифтох уни кўргач, қайғу–аламдан кийимларини йиртиб:

— Вой қизим! Нима қилиб қўйдинг?! — деди. — Юрак–бағримни қон қилдинг–ку! Мен Эгамизга қасам ичган эдим, энди сўзимни қайтиб ололмайман!

36 — Отажон, — деди қизи, — Эгамизга сўз берган бўлсангиз, зинҳор сўзингиздан қайтманг, чунки Эгамиз сизга душманингиз — Оммон халқи устидан ғалаба берди. 37 Менинг эса биргина тилагим бор. Менга икки ой муҳлат берсангиз, мен дугоналарим билан тоққа чиқиб, у ерда ёшлигим хазон бўлганидан қайғурай. Чунки мен энди ҳеч қачон турмушга чиқмайман.

38 Йифтох унга ижозат бериб, икки ойга тоққа жўнатиб юборди. Қиз дугоналари билан тоққа чиқиб, қайғуриб йиғлади. 39 Икки ой ўтгач, отасининг ёнига қайтиб келди. Йифтох Эгамизга берган ваъдасига вафо қилди. Қиз бокира эди.

Шундан кейин Исроилда бир одат пайдо бўлди: 40 ҳар йили Исроил қизлари тоғларга чиқиб, тўрт кун давомида Гиладлик Йифтохнинг қизи учун мотам тутадиган бўлишди.

12–БОБ

Эфрайим қабиласи ва Йифтох

1 Эфрайим қабиласи лашкарини тўплаб, Иордан дарёсининг нариги
қирғоғидаги Зофунга ўтиб Йифтохга дўқ қилди:
— Нега сен Оммон халқига қарши жанг қилганингда бизни ҳам чақирмадинг?
Шу қилганинг учун биз сени уйингга қўшиб ёндириб юборамиз!
2 — Мен сизларни ёрдамга чақирган эдим–ку, — деди Йифтох. — Ўшанда,
бизга жабр–зулм ўтказган Оммон халқи билан қаттиқ жанжаллашиб қолганимда,
ўзингиз менга ёрдам бермадингиз–ку! 3 Сизлар менга ёрдам бермаслигингизни
била туриб, жонимни хатар остига қўйдим–да, Оммон халқининг устига бостириб
бориб ҳужум қилдим. Эгамиз эса уларни менинг қўлимга берди. Нима учун энди
сизлар келиб менга қарши уруш қилмоқчисизлар?!
4 Эфрайим қабиласидан бўлганлар Гилад авлодини ҳақоратлаб: “Гиладликлар
ким бўлибди?! Улар бор–йўғи Эфрайим қочоқлари–ку, улар ҳатто Эфрайим ва
Манаше ерларида яшаб юришибди”, деб айтган эдилар. Шунинг учун Йифтох
Гилад авлодидан бўлган барча эркакларни йиғиб, Эфрайим қабиласи билан жанг
қилди. Эфрайим қабиласи бу жангда мағлуб бўлди.
5 Эфрайим қабиласининг омон қолган жангчиларини қўлга тушириш учун
Йифтох Иордан дарёсининг кечув жойларига соқчиларни қўйди. Қачонки
Эфрайим қочоқларидан бири келиб: “Ўтиб кетай”, деб рухсат сўраганда, соқчилар:
“Мабодо Эфрайим қабиласиданмасмисан?” дея савол беришарди. Қочоқ: “Йўқ”,
деб жавоб бергач, 6 улар унга: “Ундай бўлса, Шибболет, дегин”, дейишар эди. Ўша
одам: “Сибболет”, деб айтар эди, чунки Эфрайим қабиласидагилар “Шибболет”
сўзини тўғри талаффуз қила олмас эдилар. “Сибболет” деган одамни соқчилар
Иордан кечув жойининг ўзидаёқ ўлдиришарди. Ўша куни Эфрайим қабиласидан
қирқ икки минг нафар одам ҳалок бўлди.
7 Гиладлик Йифтох олти йил Исроил халқига ҳакам* бўлди. Сўнг оламдан кўз
юмиб, Гилад ўлкасидаги шаҳарларнинг бирида дафн қилинди.

Ибсан, Элўн ва Абдўн

8 Ундан кейин Исроил халқига Байтлаҳмлик* Ибсан ҳакам бўлди. 9 Унинг ўттиз
ўғли билан ўттиз қизи бор эди. У қизларини уруғидан ташқарига узатиб,
ўғилларига келинларни ҳам бошқа уруғлардан олиб берганди. Ибсан етти йил
Исроил халқига ҳакам бўлди. 10 Сўнг оламдан ўтиб, Байтлаҳмда дафн қилинди.
11 Ундан кейин Забулун қабиласидан бўлган Элўн исмли бир киши ҳакам
бўлди. У ўн йил давомида Исроилга раҳнамолик қилди. 12 Элўн оламдан кўз юмди
ва Забулун ҳудудидаги Ойжавлонда дафн қилинди.
13 Ундан кейин Пиратонлик Хиллиёлнинг ўғли Абдўн ҳакам бўлди. 14 Унинг
қирқта ўғли ва ўттизта ўғил набираси бор эди. Улар етмишта эшакни миниб
юришарди*. Абдўн саккиз йил Исроил халқига ҳакам бўлди. 15 Сўнг Абдўн ҳам
оламдан ўтди ва Эфрайим қирларидаги она шаҳри Пиратонда дафн этилди.
Илгарилари ўша жойлар Омолек халқига тегишли бўлган.

13–БОБ

Шимшўннинг туғилиши

1 Исроил халқи яна Эгамизнинг олдида қабиҳ ишлар қилгани учун, Эгамиз
уларни қирқ йилга Филист халқининг қўлига берди.
2 Ўша замонда Зорохлик бир одам бор эди. У Дан қабиласидан* бўлиб, исми

Монувах эди. Унинг хотини бепушт бўлиб, фарзанди йўқ эди. 3 Бир куни
Эгамизнинг фариштаси аёлга зоҳир бўлиб шундай деди: “Сен шу пайтгача бола
кўришга ожиз эдинг, аммо кўп ўтмай сен ҳомиладор бўлиб, ўғил туғасан. 4 Шароб
ва ўткир ичимликларни энди ича кўрма, ҳаром нарсани ҳам ема, 5 чунки сен
ҳомиладор бўлиб, ўғил кўрасан. Бола туғилиши биланоқ Худога назр қилингай*,
шунинг учун боланинг бошига устара тегмасин. Исроилни Филистларнинг
қўлидан озод қилишни бошлайдиган ўшадир.” 6 Кейин аёл эрининг олдига бориб
деди: “Олдимга Худонинг бир одами келди, унинг кўриниши худди Худонинг
фариштасига ўхшаган жуда қўрқинчли эди. Унинг қаердан келганини
сўрамабман. Ўзи ҳам менга исмини айтмади. 7 Унинг гапига қараганда, мен
ҳомиладор бўлиб, ўғил кўрар эканман. Бола туғилиши биланоқ бир умрга Худога
назр қилинар экан, шунинг учун мен шаробни ҳам, ўткир ичимликни ҳам, ҳаром
нарсани ҳам оғзимга олишим мумкин эмас экан.”

8 “Ё Раббий, — дея Эгамизга ёлворди Монувах, — ўша одамингни яна
олдимизга юборишингни илтижо қилиб сўрайман. У келиб, бўлажак ўғлимизга
нима қилишимиз кераклигини ўргатиб кетсин.”

9 Монувахнинг ибодати ижобат бўлди. Аёл далада ўтирган бир пайтда
Худонинг фариштаси яна аёлнинг олдига келди. Аммо ўша пайтда Монувах у ерда
йўқ эди. 10 Аёл шошиб–пишиб эрининг олдига югурди–да: “Тунов кун олдимга
келган одам яна менга зоҳир бўлди!” — деб айтди. 11 Монувах туриб хотинига
эргашди. Ўша одамнинг олдига келиб:

— Бу аёлга гапирган сизмидингиз? — деб сўради.

— Ҳа, мен эдим, — дея жавоб берди у.

12 — Айтганларингиз амалга ошганидан сўнг, бола қай тарзда яшаши керак? У
нима иш қилади? — деб сўради Монувах.

13 Эгамизнинг фариштаси Монувахга шундай деб жавоб берди:

— Хотининг айтганларимнинг ҳаммасини сўзсиз бажарсин. 14 Узумдан
тайёрланган бironта нарсани ҳам оғзига олмасин. Шароб ва ўткир
ичимликларни ичмасин, ҳеч қандай ҳаром нарса емасин. Айтганларимнинг
ҳаммасига риоя қилсин.

15 Монувах Эгамизнинг фариштасига:

— Бир оз кутиб турсангиз, сизга бир улоқча тайёрлаб берсам, — деди.

16 — Кутганим билан, барибир, таомингни емайман, — деди Эгамизнинг
фариштаси. — Лекин улоқчани куйдириладиган қурбонлик қилмоқчи бўлсанг,
уни Эгамизга бахшида эт.

Монувах у Эгамизнинг фариштаси эканлигини билмаганди.

17 Кейин Монувах Эгамизнинг фариштасига:

— Бизга исмингизни айтинг. Токи айтганларингиз рўёбга чиққанда, сизни дуо
қилиб юрайлик, — деди.

18 Эгамизнинг фариштаси эса:

— Нега исмимни сўраяпсан? Айтганим билан барибир унга ақлинг етмайди, —
деди.

19 Монувах Эгамизга атаб, улоқчани катта бир тошнинг устида қурбонлик
қилиб куйдирди, унга қўшиб дон назри ҳам куйдирди. Шу онда Монувах ва унинг
хотини олдида Эгамиз ажойиб бир мўъжиза яратди: 20 қурбонгоҳ алангаси
осмонга чирмашаётган эди. Эгамизнинг фариштаси ҳам алангага қўшилиб
юқорига кўтарилиб кетди. Буни кўрган Монувах билан хотини ерга мук тушишди.
21 Фаришта кўздан ғойиб бўлди–ю, бошқа уларга кўринмади. Шундан кейин
Монувах ўша одам Эгамизнинг фариштаси эканлигини англади. 22 Монувах

хотинига:

— Биз ўламиз, чунки биз Худони кўрдик!* — деди.

23 — Агар Эгамиз бизни ўлдирмоқчи бўлганда, дон назри ва қурбонлигимизни қабул қилмаган бўларди, — деди хотини. — Бу мўъжизаларни бизга кўрсатиб, бундай нарсаларни айтиб ўтирмаган бўларди.

24 Аёл ўғил кўрди, унинг исмини Шимшўн қўйди. Бола катта бўлди, Худо эса уни ёрлақади. 25 Шимшўн Зорох билан Эштойўл шаҳарлари* орасидаги Дан қабиласининг қароргоҳида* бўлганда, Эгамизнинг Руҳи уни бошқара бошлади.

14–БОБ

Шимшўн ва Тимнахлик аёл

1 Бир куни Шимшўн Тимнах деган шаҳарга борди. Тимнахда у бир Филист қизни кўриб қолди. 2 Уйига қайтиб келгач, ота–онасига шундай деди:

— Мен Тимнахда бир Филист қизни кўрдим. Уни менга олиб беринглар.

3 — Ўз халқимиз орасида қиз қуриб қолибдими?! Энди бориб суннатсиз Филистлардан қиз олишимиз қолганди, — деб жавоб берди улар.

Аммо Шимшўн отасига:

— Менга ўша қизни олиб беринг, мен уни ёқтириб қолдим, — деб туриб олди.

4 Бу Эгамизнинг хоҳиши эди, аммо Шимшўннинг ота–онаси бундан бехабар эдилар. Эгамиз Филистларга қарши жанг қилиш учун бирон та баҳона қидираётган эди. Ўша замонда Филистлар Исроилда ҳукмронлик қилардилар.

5 Шимшўн ота–онаси билан Тимнахга йўл олди. Улар Тимнах узумзорларига яқинлашганларида, бирдан Шимшўн олдидан бир шер чиқиб қолиб, ўкирганича унга ташланмоқчи бўлди. 6 Ўша заҳоти Эгамизнинг Руҳи Шимшўнни қамраб олиб, кучини оширди. Шимшўн шерни, худди улоқчани парчалагандай, қўллари билан осонгина иккига бўлиб ташлади. Аммо бўлиб ўтган воқеа ҳақида ота–онасига оғиз ҳам очмади.

7 Сўнг Шимшўн қизнинг олдига бориб, у билан гаплашди, қиз Шимшўнга ниҳоятда хуш келди. 8 Кўп ўтмай Шимшўн қизга уйланмоқчи бўлиб, Тимнахга қайтиб борди. Йўл–йўлакай шернинг ўлигини кўриб кетай деб, ўша томон йўл солди. Қараса, шернинг мурдасида асаларининг уяси билан асал бор экан. 9 У бир ҳовуч асал олиб, йўл–йўлакай еб кетди. Ота–онасининг олдига келганда, уларга ҳам еб кўргани берди, лекин асални шернинг мурдасидан олганини айтмади*.

10 Шимшўннинг отаси келинини кўрмоқчи бўлиб, қудасининг уйига кирди. Шимшўн ўша ерда тўй муносабати билан катта бир зиёфат берди. Ўша вақтдаги урф–одатлар бўйича, куёвлар катта зиёфатлар беришарди. 11 Шимшўн зиёфат бериш учун Тимнахга борганда, Филистлар унинг олдига куёв навкар қилиб, ўттизта йигитни юбордилар. 12 Шимшўн уларга:

— Келинглар, сизларга бир топишмоқ айтайин, — деди. — Агар уни топиб, зиёфатнинг етти куни ичида менга тушунтириб берсангизлар, ҳар бирингизга биттадан кимхоб тўн ва бир сидрадан кийим–бош бераман. 13 Борди–ю, топишмоғимни тополмасангизлар, сизлар менга ўттизта кимхоб тўн билан ўттиз сидра кийим–бош берасизлар.

Шунда улар:

— Қани, топишмоғингни айт, уни эшитайлик–чи, — дейишди.

14 Шимшўн топишмоғини айтди:

“Хўранданинг ичидан хўрак чиқди,

Кучлининг ичидан ширинлик чиқди.”

Орадан уч кун ўтди, аммо Филист йигитлари топишмоқни тополмадилар.
15 Охири, еттинчи* куни Шимшўннинг қайлиғига дўқ қилиб: “Сизлар бизни
шилмоқчи бўлиб бу ерга таклиф қилганмидингизлар?! — дедилар. — Бўл,
эрингни алдаб–сулдаб топишмоқнинг маъносини бизга билиб бер, бўлмаса сени
ҳам, отангнинг хонадонини ҳам ёндириб юборамиз.” 16 Шунда келинчак
Шимшўннинг олдига бориб роса йиғлади.

— Сен мени ёмон кўрар экансан! — дея хархаша қилди у. — Мени заррача бўлса ҳам яхши кўрганингда эди, топишмоқнинг жавобини аллақачон айтган бўлар эдинг.

— Менга қара, — деди унга Шимшўн. — Буни ота–онамга ҳам айтмаган бўлсам, нега сенга айтар эканман?!

17 Зиёфат етти кун давом этган бўлса, ўша етти кун давомида келин унга хиралик қилиб йиғлайверди. Еттинчи куни Шимшўннинг юрагини шу қадар эзиб юбордики, у тоқат қила олмай топишмоқнинг жавобини айтиб берди. Қиз жавобни дарҳол Филист йигитларига етказди. 18 Ўша куни қош қораймасдан олдин йигитлар Шимшўннинг олдига келиб, топишмоқнинг жавобини айтдилар:

“Асалдан ширин нима бор?!
Шердан кучли нима бор?!”

Шимшўн: “Агар ғунажинимни ишга солмаганларингда, топишмоғимни тополмас эдиларинг”, — деди.

19 Сўнг Эгамизнинг Руҳи Шимшўнни қамраб олиб, унинг кучини янада оширди. Шимшўн Ашқалон шаҳрига* кетди. У ерда ўттиз нафар Ашқалонлик одамни ўлдириб, кийим–бошларини ечиб олди. Ўша кийим–бошларни топишмоқнинг жавобини айтганларга берди–ю, жаҳл устида отасининг уйига қайтиб кетди.
20 Келиннинг отаси эса қизини Шимшўннинг куёв жўрасига узатиб юборди.

15–БОБ

1 Орадан вақт ўтди. Буғдой ўрими пайтида, Шимшўн бир улоқча олиб, хотинининг олдига борди. У қайнатасига:

— Мен хотинимнинг олдига кирмоқчиман, — деди.

Қайнатаси эса Шимшўнни ичкарига киргизмади.

2 — Сен қизимни ташлаб кетдинг, деб ўйлагандим, — деди у. — Шунинг учун уни куёв жўрангга узатиб юбордим. Қара, кенжа қизим ундан ҳам чиройлироқ. Кел, унинг ўрнига синглисини ола қол.

3 — Бу сафар Филистларга ёмонлик қилсам, айбга буюрмайсиз, — деб чиқиб кетди Шимшўн.

4 Шимшўн уч юзта тулки ушлаб келди. Тулкиларни жуфт–жуфт қилиб, думларини бир–бирига боғлади–да, орасига биттадан машъала қистирди. 5 Сўнг машъалаларни ёқиб, тулкиларни Филистларнинг буғдойзорларига қўйиб юборди. Буғдойзор ва дон ғарамларини аланга олди–ю, Филистларнинг узумзорлари ва зайтун боғларини ямлади. 6 Филистлар: “Буни ким қилди?” деб суриштира бошладилар. “Буни Тимнахлик бир одамнинг куёви, Шимшўн қилди, — деди бир киши. — У ўша Тимнахликнинг қизига уйланган экан, қайнатаси эса қизини куёвнинг жўрасига узатиб юборибди.” Шунда Филистлар келиб, ўша жувон билан отасининг хонадонини* ёқиб юборишди. 7 Шимшўн бундан хабардор

бўлгач, Филистларнинг олдига бориб: “Онт ичиб айтаманки, шу қилмишларинг учун сизлардан ўч олмагунимча қўймайман!” — деди. 8 Шимшўн уларни шафқатсизларча қириб ташлади. Кейин эса у ерларни тарк этиб, Этом қоясидаги* бир ғорга бориб яшади.

Шимшўн Филистларни енгади

9 Кўп ўтмай Филистлар Яҳудода қароргоҳ қуриб, Лехи* шаҳрини босиб олишди. 10 Яҳудо одамлари: “Нима учун бизга ҳужум қилдингизлар?” деб сўрадилар. Улар эса: “Биз Шимшўнни қўлга олмоқчимиз. Бизга қилган ёмонлигини қайтариб ўз бошига солмоқчимиз”, деб жавоб беришди. 11 Яҳудо қабиласидан уч мингта одам Этом қоясига бориб Шимшўнга:

— Филистлар бизга ҳукмронлик қилишларини билмайсанми? — дедилар. — Сен бошимизга битган бало бўлдинг–ку!

Шимшўн жавоб бериб деди:

— Мен қилмишларига яраша жазосини бердим, холос.

12 — Биз сени олиб кетгани келдик, — деди Яҳудо одамлари. — Сени боғлаб Филистларга бермоқчимиз.

— Хўп, майли, — деди Шимшўн. — Аммо сизлар мени ўлдирмасликка сўз беринглар.

13 — Биз сени ўлдирмаймиз, — деб сўз берди улар. — Биз сени боғлаб, уларга топширсак бўлди.

Яҳудо одамлари Шимшўнни иккита янги арқон билан боғлаб, шаҳарга олиб келдилар. 14 Шимшўн Лехига келганда, Филистлар уни қий–чув билан қаршилаб олишди. Шу заҳоти Эгамизнинг Руҳи Шимшўнни қамраб олиб, янада кучини оширди. Шимшўн қўлларидаги арқонларни куйган зиғир толаларини узаётгандай осонликча узиб ташлади. 15 Сўнг атрофига бир назар солиб, эшакнинг жағ суягини кўриб қолди. Жағ суяги офтобда қуриб кетмагани учун қаттиқ ва оғир эди. Шимшўн суякни олиб, Филистларни савалай бошлади. Ўша куни у минг нафар одамни ўлдирди. 16 Шунда Шимшўн деди:

> “Эшакнинг жағ суяги билан мингта одамни ўлдирдим.
> Эшакнинг жағ суяги билан уларни уюм–уюм* қилдим.”

17 У гапини тугатиб бўлгач, суякни улоқтириб юборди–да, ўша жойни Рамат–Лехи* деб атади.

18 Шимшўн роса чанқаб кетди, сўнг Эгамизга илтижо қилиб деди: “Сен қулингга шундай буюк бир ғалабани бердинг. Ҳозир эса мен ташналикдан адо бўлиб, суннатсизларнинг қўлига тушаманми?!” 19 Худо Лехида ер остидаги бўшлиқни ёриб, у ердан сув чиқарди. Шимшўн сув ичиб ўзига келди. Шунинг учун булоқ Эн–Хаққор* деб аталди, у бугунга қадар* Лехидадир.

20 Филистлар ҳукмронлиги даврида Шимшўн Исроил халқига йигирма йил ҳакамлик* қилди.

16–БОБ

Шимшўн Ғазода

1 Бир куни Шимшўн Филистларнинг шаҳри Ғазога борди. У ерда бир фоҳиша аёлни кўриб унинг олдига кирди. 2 Ғазоликлар Шимшўн келганини билгач, ўша жойни ўраб олишди. Уларнинг баъзилари шаҳар дарвозасида* яшириниб, кечаси билан уни пойлаб туришди. Улар тун бўйи писиб, “Қани, тонг ёришгунча кутиб

турайлик–чи, кейин уни ўлдирамиз”, деб ўйлаётган эдилар. 3 Шимшўн эса
фоҳишаникида фақатгина ярим кечагача бўлди. У тун ярмида туриб, шаҳар
дарвозасини ёндорлари билан суғуриб олди–да, барча тамбалари билан елкасига
ортиб, Хеврон* рўпарасидаги тепаликнинг устига олиб чиқди.

Шимшўн ва Далила

4 Кўп ўтмай Шимшўн Сўрах водийсида яшайдиган Далила исмли бир жувонни
яхши кўриб қолди. 5 Филист беклари* жувоннинг олдига келиб, шундай дедилар:
“Шимшўн бундай буюк кучни қаердан оларкан? Уни боғлаб бўйсундириш йўлини
биз учун билиб берсанг, ҳар биримиз сенга 1100 бўлакдан кумуш* берамиз.”

6 Бир куни Далила Шимшўнга ялиниб:

— Илтимос, буюк кучингиз сирини менга айтиб беринг, — деди. — Қандай
қилиб сизни боғлаб, бўйсундириб бўлади?

7 Шимшўн унга шундай жавоб берди:

— Агар мени еттита янги, қуриб улгурмаган камон ипи* билан боғлаб
ташлашса, мен эл қатори кучсиз бўлиб қоламан.

8 Шунда Филист беклари жувонга еттита янги, ҳали қуриб улгурмаган камон
ипини келтирдилар. Далила иплар билан Шимшўнни боғлаб қўйди. 9 Шу пайт
ичкари хонада бир нечта одам пойлаб турар эди. Жувон Шимшўнга қараб:

— Шимшўн! Филистлар келяпти! — деб бақирди.

Аммо олов ипак толаларини қандай йўқ қилса, Шимшўн ҳам камон ипларини
худди шундай узиб ташлади. Шимшўннинг сири сирлигича қолди.

10 — Сиз мени алдаб аҳмоқ қилдингиз, — деди унга Далила. — Илтимос, сизни
қандай қилиб боғлаш кераклигини менга айта қолинг.

11 — Агар мени янги, ишлатилмаган арқонлар билан боғлашса, мен эл қатори
кучсиз бўлиб қоламан, — деди Шимшўн.

12 Шунда Далила янги арқонларни олди–да, уни боғлаб:

— Шимшўн! Филистлар келяпти! — деб бақирди, одамлар эса ичкари хонада
пойлаб туришар эди.

Аммо Шимшўн қўлларидаги арқонларни ипни узгандай узиб ташлади.

13 — Шу пайтгача мени алдаб, аҳмоқ қилиб келдингиз! — деди Далила. —
Менга айтинг–чи, сизни қандай қилиб боғлаб ташласа бўлади?

— Агар сочимнинг еттита тутамини дастгоҳдаги матога қўшиб тўқиб, моки
ёрдамида яхшилаб маҳкамлаб қўйсанг, мен эл қатори кучсиз бўлиб қоламан, —
деди Шимшўн.

14 Шимшўн ухлаб ётганда, Далила унинг етти тутам сочини дастгоҳдаги матога
қўшиб тўқиди–да*, моки ёрдамида яхшилаб маҳкамлаб қўйди. Кейин эса:

— Шимшўн! Филистлар келяпти! — деб бақирди.

Шимшўн ухлаб ётган жойида сакраб турди–да, мокини улоқтириб, матони
дастгоҳи билан сочидан юлқиб ташлади.

15 Далила унга деди:

— Дилингиз мендан йироқ экан, қандай қилиб менга: “Сени севаман”, дейсиз?!
Сиз мени уч марта алдадингиз, кучингиз сирини менга айтмадингиз.

16 Далила ҳар куни ялинавериб, Шимшўннинг қулоқ–миясини еди. Бундан
безор бўлган 17 Шимшўн бутун сирини айтиб берди:

— Бирон марта ҳам устара бошимга тегмаган. Чунки онамнинг қорнидаёқ
Худога назр қилинганман*. Агар сочимни олдирсам, кучим йўқ бўлади ва мен эл
қатори кучсиз бўлиб қоламан.

18 Далила Шимшўн унга бутун сирини ошкор қилганини фаҳмлагач, Филист
бекларига хабар жўнатиб деди: “Бу сафар яна бир бор келиб кетинглар, чунки у

менга бутун сирини ошкор қилди.” Шунда Филистлар Далилага ваъда қилган пулларини олиб, унинг олдига бордилар. 19 Далила Шимшўнни тиззасида ухлатиб қўйди–да, бир одамни чақириб унинг етти тутам сочини қирқтириб ташлади. Шимшўн заифлашиб, кучдан қолди. 20 Далила эса:

— Шимшўн! Филистлар келяпти! — деб бақирди.

Шимшўн уйқудан туриб, ҳар сафаргидек ўзимни халос қиламан, деб ўйлади. Аммо Эгамиз уни тарк этган эди, Шимшўн эса бундан бехабар эди. 21 Филистлар уни қўлга олиб, кўзларини ўйиб ташлашди. Сўнг Ғазога олиб кетиб, занжирбанд қилишди. Шимшўн зиндондаги тегирмон тошини юргизиб, ғалла янчар эди. 22 Шимшўннинг сочлари яна ўса бошлади.

Шимшўннинг ўлими

23 Байрамга йиғилган Филист беклари: “Худойимиз Дўғон душманимиз Шимшўннинг устидан бизга ғалаба берди!” дея шоду хуррамлик билан худосига кўп қурбонликлар келтирдилар. 24 Халқ Шимшўнни кўргач: “Юртимизни хароб қилган, талай сипоҳларимизни ўлдирган душманни худойимиз қўлимизга берди”, дея худосига ҳамду санолар айта бошлади. 25 Маст, вақти чоғ бўлган одамлар: “Шимшўнни келтиринглар, биз учун бир ўйнаб берсин!” деб бақира бошладилар. Шимшўнни зиндондан келтиришди, одамлар уни томоша қилсин деб, устунлар ўртасига турғизиб қўйишди. 26 Шимшўн уни етаклаб келган йигитга деди: “Бинони кўтариб турган устунларни пайпаслаб кўрай. Уларга суяниб олмоқчиман.” 27 Уй эркагу аёл билан тўлган, ҳамма Филист беклари ўша ерда эди. Томнинг устидаги очиқ айвонда уч мингга яқин одам Шимшўнни томоша қилаётган эди.

28 Шимшўн Эгамизга илтижо қилиб, деди: “Ё Эгам Раббий, мени эсла. Эй Худо, яна бир бор менга куч бер, мен Филистлардан икки кўзим учун ёппасига ўч олай.” 29 Шимшўн уйни кўтариб турган ўртадаги икки устун орасида турган эди. У ўнг қўлини бирига, чап қўлини иккинчисига қўйди–да, тиранди. 30 Кейин қичқириб: “Ўлсам, Филистлар билан ўлай!” — деди–ю, кучи борича устунларни итарди. Уй қулаб, у ердаги беклар билан одамларни босиб қолди. Шундай қилиб, ўша жойда ўлган одамларнинг сони Шимшўн ҳаёт даврида ўлдирган одамларнинг сонидан зиёда эди.

31 Шимшўннинг ака–укалари билан бутун оиласи Ғазога келиб, унинг жасадини уйга олиб кетишди. Кейин отаси Монувахнинг Зорох билан Эштойўл шаҳарлари* орасидаги хилхонасига дафн қилишди. Шимшўн йигирма йил давомида Исроил халқига ҳакам* бўлган эди.

17–БОБ

Михонинг бутлари

1 Эфрайим қирларида Михо деган бир одам яшарди. 2 Бир куни у онасига шундай деди:

— Она, эсингиздами, 1100 бўлак кумушни* ўғирлатиб қўйган эдингиз. Ўшанда ўғрини олдимда қарғагансиз. Мана, ўша кумушингиз. Уни мен олгандим.

Шунда онаси:

— Илойим барака топгин, ўғлим! — деди.

3 Михо 1100 бўлак кумушни онасига қайтариб берди. Онаси эса:

— Мен бу кумушни бош–кўзингдан хайр–садақа қилиб, Эгамга бағишлайман, — деди, — ундан қуйма ва ўйма бутлар ясаттираман. Ўша кумуш ўзингга қайтиб келади, ўғлим.

4 Михо қайтариб берган кумуш бўлакларининг 200 тасини* онаси заргарга
берди. Заргар бут ясаб, уни кумуш билан қоплади*. Тайёр бўлган бут Михонинг
уйига ўрнатилди. 5 Михонинг бир саждагоҳи бор эди. У руҳонийлар киядиган
махсус либос* тиктириб, яна бир нечта хонаки санамлар* ясаттирди, сўнг
ўғилларидан бирини ўзининг саждагоҳига руҳоний қилиб тайинлади. 6 Ўша
даврда Исроилда шоҳ йўқ эди. Ҳар бир одам билганини қилар эди.
7 Яҳудо ҳудудидаги Байтлаҳм шаҳрида* бир ёш леви* яшарди. 8 Бу одам ўзига
бошқа жойдан бошпана топмоқчи бўлиб, Байтлаҳмни тарк этди. У йўл юриб,
Эфрайим қирларидаги Михонинг уйига келиб қолди.
9 — Қаерликсан, ўғлим? — деб сўради ундан Михо.
— Мен Яҳудодаги Байтлаҳмдан келган левиман, — деб жавоб берди у. —
Ўзимга бошпана қидириб юрибман.
10 — Кел, меникида тура қол, — деди Михо. — Менинг маслаҳатчим ҳамда
руҳонийим бўл. Мен эса ҳар йили сенга ўн бўлакдан кумуш* тўлаб,
кийим–кечагинг билан егулигингни бераман.
11-12 Леви Михоникида туришга рози бўлди. Михо уни руҳоний қилиб
тайинлади. Леви Михоникида яшаб юрди ва Михога худди ўғлидай бўлиб қолди.
13 Шунда Михо деди: “Мана энди Эгам менга барака беришини биламан, чунки
левининг ўзи менга руҳоний бўлиб хизмат қиляпти.”

18–БОБ

Михо ва Дан қабиласи

1 Бу воқеалар содир бўлган даврда Исроилда шоҳ йўқ эди. Дан қабиласи
Исроил қабилалари орасида ўзига улуш бўлиб тушган ерни ҳануз қўлга
киритмагани сабабли истиқомат қилиш учун жой қидириб юрган эди. 2 Бир куни
улар ўз қабиласининг жамики уруғлари орасидан бешта жангчини танлаб:
“Боринглар, юртни синчиклаб текшириб чиқинглар”, — дея уларни Зорох ва
Эштойўл шаҳарларидан* жўнатиб юбордилар. Бу одамлар йўл юриб, Эфрайим
қирларидаги Михонинг уйига келиб қолишди ва тунни ўша ерда ўтказишди.
3 Улар Михонинг уйида бўлганларида ёш левини* шевасидан таниб қолишди–да,
унинг олдига бориб:
— Бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг? Бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб
сўрашди.
4 У жавоб бериб: “Михо мени ишга олди, руҳоний қилиб тайинлади”, — деди.
Михо унга қилган ҳамма яхшиликларини айтиб берди.
5 Шунда улар левига:
— Худога илтижо қилиб, ишимиз ўнгидан келиш–келмаслигини билиб бер, —
дедилар.
6 — Ҳеч нарсадан хавотирланманглар. Эгамизнинг Ўзи сизларга бу ишда
мададкордир, — деди руҳоний.
7 Бешала одам йўлга равона бўлди. Улар Лайиш шаҳрига келиб, у ерда Сидон*
аҳолиси каби мулойим, хотиржам ва тинч–тотув яшаётган одамларни кўришди.
Бундан ташқари, атрофдаги халқлардан биронтаси ўша халққа хавф солмаган,
юртига тажовуз қилмаганди. Улар Сидондан анча узоқда бўлиб, атрофдаги
шаҳарлар билан ҳеч қандай алоқа ўрнатмаган эдилар. 8 Бешала одам Зорох билан
Эштойўлга — ўз уруғ–аймоқларининг олдига қайтиб боришди.
— Бизга қандай хабар олиб келдингизлар? — деб сўради улардан
қариндош–уруғлари.

9 Улар шундай жавоб беришди:
— Келинглар, Лайишга ҳужум қилайлик! Биз кўрган юрт ниҳоятда яхши экан.
Нимага қаққайиб турибсизлар?! Бўлинглар, ўша ерга бориб юртни қўлга
киритайлик. 10 У ерга борганларингда, хотиржам яшаётган одамларга дуч
келасизлар. Барча нарсага мўл ва кенг бу ерни Худо чиндан ҳам қўлингизга
беряпти.
11 Дан қабиласининг олти юзта одами жанг аслаҳалари билан қуролланиб,
Зорох билан Эштойўлдан сафарга отланишди. 12 Улар йўл юриб, ўз қароргоҳини
Яҳудодаги Хират–Йўрим шаҳрининг ғарб томонида қуришди. Шунинг учун ўша
жой бугунга қадар* Дан қароргоҳи* деб аталади.
13 У ердан улар Эфрайим қирлари томон йўл олиб, Михонинг уйига яқинлашиб
қолишди.
14 Шунда юртни, аниқроғи, Лайиш шаҳрининг атрофларини кўриб чиққан
бешта одам биродарларига дейишди: “Бу хонадонларнинг бирида руҳонийлар
либоси*, хонаки санамлар* ва бут борлигидан хабарларинг борми? Нима
қилишимиз кераклигини яхши ўйлаб кўринглар.” 15 Улар ёш леви турадиган
Михонинг уйига бориб, левидан ҳол–аҳвол сўрадилар. 16 Олти юзта қуролланган
Дан қўшини дарвозанинг ёнида турган эди. 17 Айғоқчилик қилган бешта одам
тўппа–тўғри ичкарига бостириб кириб, руҳонийлар либоси, хонаки санамлар ва
кумуш билан қопланган бутни олмоқчи бўлдилар. Леви эса қуролланган олти
юзта одам билан дарвоза ёнида қолган эди. 18 Айғоқчилар Михонинг уйига кириб,
руҳонийлар либоси, хонаки санамлар ва бутни олганларини кўрган леви уларга:
— Бу нима қилганларинг? — деди.
19 — Жим бўл! — деб дўқ қилди улар. — Овозингни ўчириб биз билан юр.
Бизга маслаҳатчи ва руҳоний бўл. Ўзинг ўйлаб кўр, сен биттагина хонадонга
руҳоний бўлганинг яхшими ёки Исроилнинг бутун бир қабиласигами?
20 Руҳонийга бу таклиф маъқул келди. У руҳонийлар либоси, хонаки санамлар
ва кумуш билан қопланган бутни олиб, Дан одамлари билан кетди.
21 Дан одамлари бола–чақаларини, чорваю мол–мулкини олдинга ўтказиб,
сафарларини давом эттиришди. 22 Улар Михонинг уйидан анча узоқлашиб
қолганларида, Михо қўни–қўшниларини тўплади–да, Дан одамларининг кетидан
қувиб кетди. 23 Сўнг овози борича бақириб, Дан одамларини чақирди. Улар эса
орқага ўгирилиб Михога:
— Тинчликми?! Шунча одамни етаклаб келибсан?! — дедилар.
24 — Сизлар мен ясаттирган худолар билан руҳонийимни олиб кетиб, мени
шип–шийдам қилдингиз–ку. Яна: “Тинчликми?” деганингиз нимаси?! — дея
жавоб берди Михо.
25 — Овозингни ўчир, — деди унга Дан одамлари. — Бўлмаса, қони қайнаган
биродарларимиз жағингни эзиб, ўзингни ҳам, уйингдагиларни ҳам йўқ қилиб
юборишади.
26 Дан одамлари йўлдан қолмадилар. Михо эса уларга бас келолмаслигини
кўриб, уйига қайтиб кетди.
27 Дан қабиласи Михо ясаттирган нарсаларни ва унинг хизматида бўлган
руҳонийни Лайишга олиб бордилар. Улар Лайишда тинч ва хотиржам яшаётган
одамларни қиличдан ўтказиб, шаҳарга ўт қўйдилар. 28 Лайиш аҳолисига нажот
берадиган ҳеч ким йўқ эди, чунки Лайиш Сидондан жуда узоқда бўлиб, яқин
атрофидаги шаҳарлар билан эса ҳеч қандай алоқа ўрнатмаган эди. Лайиш
Байт–Рехоб шаҳри билан бир водийда жойлашган эди. Дан қабиласи шаҳарни
тиклаб, у ерда ўрнашиб олди. 29 Шаҳарни эса ота–бобоси Ёқуб* ўғли Даннинг

номи билан атади. Дан шаҳрининг эски номи Лайиш эди. 30 Дан қабиласи ўзи учун
Миходан тортиб олган, кумуш билан қопланган бутни ўрнатди. Гершом ўғли
Йўнатан эса уларга руҳоний бўлди. Йўнатан Мусонинг* набираси эди. Исроил
халқи сургун бўлгунига қадар*, Йўнатаннинг бутун насли ҳам Дан қабиласига
руҳонийлик қилди. 31 Ўша даврда Худонинг уйи Шилў шаҳрида* жойлашган эди,
аммо Дан қабиласи у ерга бормай, Михо ясаттирган бутга сажда қилиб келди.

19–БОБ

Гиво аҳолиси оғир гуноҳ қилади

1 Исроилда шоҳ бўлмаган ўша даврларда Эфрайим қирларининг кимсасиз
жойида Леви қабиласидан бир одам яшарди. У Яҳудо ҳудудидаги Байтлаҳм
шаҳридан бир чўрини* ўзига хотин қилиб олди. 2 Аммо хотини унга бевафолик
қилиб, отасининг уйига — Яҳудодаги Байтлаҳмга қайтиб кетди. Орадан тўрт ой
ўтди. 3 Леви эса у билан ярашмоқчи бўлиб, орқасидан борди. У ўзи билан
хизматкори ва бир жуфт эшагини олган эди. Улар хотинининг қизлик уйига
етганларида, левининг қайнатаси уларни хурсанд бўлиб қаршилаб олди. 4 У
қўймай, уларни уйида уч кун меҳмон қилди. Улар еб–ичиб, у ерда тунадилар.
5 Тўртинчи куни леви барвақт туриб йўлга шайланди. Қайнатаси эса унга: “Йўлга
чиқишдан олдин чой–пой ичиб олинг, ўғлим, қувват бўлади, кейин кетарсизлар”,
— деди. 6 Шунда улар ўтириб, бирга еб–ичишди. Кейин қизнинг отаси: “Бугун ҳам
қолиб дам олсангизлар бўларди”, — деди. 7 Леви кетмоқчи бўлиб ўрнидан
турганда ҳам уни яна қўярда–қўймай уйида олиб қолди. 8 Бешинчи куни леви
кетмоқчи бўлиб эрта билан саҳарда турганда, қизнинг отаси унга: “Чой–пой ичиб
олинг, кечроқ кетарсизлар”, — деди. Улар ўтириб еб–ичишди.

9 Леви хотини ва хизматкори билан кетмоқчи бўлиб дастурхондан турганда,
қайнатаси унга шундай деди: “Қаранг, ўғлим, кеч бўлиб қолди. Шу ерда тунаб
қолақолинглар. Кун ҳам оғиб қопти. Бу ерда қолиб, дамингизни олинглар. Эртага
эса саҳарда туриб уйларингга кетарсизлар.”

10 Леви кўнмай йўлга тушди. Хотини ва хуржун ортилган бир жуфт эшаги
билан йўл юриб Ёбус шаҳрига, яъни Қуддусга етиб олди. 11 Улар Ёбусга
яқинлашганларида кеч кириб қолганди. Хизматкор хўжайинига деди: “Келинг,
Ёбус халқининг шаҳрига кириб, у ерда тунаб қолайлик.” 12 “Йўқ, — деди хўжайин.
— Исроил халқига ёт бўлган бегоналарнинг шаҳрига кирмаймиз, ундан кўра,
йўлимизни давом қилиб, Гивога борамиз.” 13 Леви гапида давом этиб
хизматкорига деди: “Кел, икковидан бирига — Гивога ёки Рамага* етиб олишга
ҳаракат қилайлик.” 14 Улар йўлда давом этиб, кунботар пайтида Бенямин
қабиласига қарашли Гиво шаҳрига яқинлашиб қолишди. 15 Сўнг Гивода тунаб
қолмоқчи бўлиб, шаҳар томон йўл олишди–да, бориб шаҳарнинг майдонида
ўтиришди, аммо ҳеч ким уларни тунаш учун уйига таклиф қилмади.

16 Оқшом кирганда, бир чол даладаги ишларини тугатиб қайтиб келаётган эди.
Гивода яшаётган аҳолининг аксарият қисми Бенямин қабиласидан эди, аммо бу
чол Гивога Эфрайим қирларидан келиб, энди шу ерларда истиқомат қилаётган
эди. 17 Чол шаҳар майдонида ўтирган мусофирларни кўриб:

— Қаердан келиб, қаерга кетяпсизлар? — деб сўради.

18 Леви шундай жавоб берди:

— Биз Яҳудодаги Байтлаҳмга борган эдик, энди эса уйимизга — Эфрайим
қирларидаги олис қишлоғимизга қайтиб кетяпмиз. Йўлда Эгамизнинг уйини ҳам
зиёрат қилиб кетмоқчимиз, аммо бу ердагиларнинг биронтаси ҳам тунаб

қолишимиз учун бизни уйига таклиф қилмаяпти. 19 Бизга турар жойдан бўлак ҳеч
нарса керак эмас. Ўзимиз учун нон ва шаробимиз бор. Эшакларимизга ҳам
ем–хашак ғамлаб келганмиз.
20 — Уйимга марҳамат қилинглар, — деди чол. — Мен ҳамма
камчиликларингизнинг ғамини ейман. Фақат кўчада қолмасангизлар, бас!
21 Чол уларни уйига олиб бориб, эшакларига ем берди. Сўнг мезбону
меҳмонлар оёқларини ювиб* овқатланишди.
22 Улар дам олиб ўтирганларида, бирданига шаҳарнинг ярамас одамлари уйни
ўраб олишди–да, эшикни тарс–турс уриб:
— Сенинг уйингга келган одамни бу ёққа чиқар, биз у билан бирга бўлишни
истаймиз! — дея уй эгасига дўқ уришди.
23 Уйнинг эгаси — чол уларнинг олдиларига чиқиб:
— Йўқ укаларим, бундай жирканч иш қилманглар! — деб ўтинди. — Бундай
шармандалик қилманглар, ахир, у менинг меҳмоним–ку. 24 Мана, менинг бокира
қизим ва у кишининг хотини бор. Мен уларни сизларнинг олдингизга олиб чиқай,
уларни нима қилсангиз қилинглар, аммо бу одам билан бундай хунук иш
қилманглар.
25 Лекин одамлар чолнинг гапларига қулоқ солишмади. Шунда леви хотинини
итариб, уларнинг олдиларига чиқариб юборди. Улар аёл билан ётиб, эрталабгача
уни зўрлашди. Тонг ёришаётганда эса қўйиб юборишди. 26 Саҳарда аёл келиб,
хўжайини тунаб қолган чолнинг эшиги олдида йиқилди ва тонг отгунча у ерда
қолди.
27 Эрталаб хўжайини йўлга чиқмоқчи бўлиб, эшикларни очди. Қараса, эшик
тагида хотини қўлларини остонага узатиб ётган экан. 28 “Қани, тура қол, бўл,
кетяпмиз”, — деди у. Лекин жавоб бўлмади*. Кейин у хотинини эшагига ортиб,
уйига йўл олди. 29 У уйига етиб келгач, пичоқ билан хотинининг жасадини ўн
икки қисмга бўлди. Бўлакларни бутун Исроил бўйлаб Исроилнинг ўн икки
қабиласига юборди. 30 Буни кўрган ҳар бир одам шундай деб айтарди: “Исроил
халқи Мисрдан чиққанидан бери бундай ваҳший ҳодиса содир бўлмаган. Энди
ўйлаб кўрайлик, мулоҳаза қилиб ҳукм чиқарайлик!”

20–БОБ

Исроил халқи урушга тайёрланади

1 Дан ва Бершеба шаҳарларининг орасидаги кенг ҳудудда ва Гилад ўлкасида
яшаган бутун Исроил халқи бир ёқадан бош чиқариб, Эгамиз ҳузурида Миспахда*
тўпланди. 2 Худо аҳлининг йиғинида жамики Исроил қабилаларининг
йўлбошчилари ва 400.000 қуролланган пиёда сипоҳ қатнашди. 3 Миспахдаги
йиғин ҳақидаги хабар тез орада Бенямин қабиласига ҳам етиб борди.
Исроил халқи шундай деди:
— Бу жиноят қандай қилиб юз берганини бизга айтиб бер.
4 Ўлдирилган аёлнинг эри леви жавоб берди:
— Мен хотиним* билан тунамоқ учун Бенямин қабиласига қарашли Гиво
шаҳрига бордим. 5 Кечаси Гивонинг баъзи бир одамлари уйни ўраб олишди. Улар
мени ўлдирмоқчи бўлиб, менинг ўрнимга хотинимни шу қадар зўрлашдики,
бечора жон берди. 6 Ақл бовар қилмайдиган бу разолат Исроилда содир бўлди!
Шунинг учун мен хотинимнинг жасадини бўлак–бўлак қилиб, бўлакларни Исроил
бўйлаб жўнатдим. 7 Энди эса биродарларим, ҳаммаларингиз шу ҳақда мулоҳаза
қилиб, бирон–бир маслаҳат беринглар.

8 Йиғинда иштирок этганлар туриб бир овоздан:
— Бирортамиз ҳам ўз чодиримизга ёки уйимизга қайтиб кетмаймиз, — деди.
9 — Биз бундай қиламиз: Гивога қарши жанг қилишдан олдин, шаҳарга ким ҳужум қилиши кераклигини Худодан сўраб, қуръа ташлаймиз*. 10 Исроил халқининг ўндан бир қисми жангчиларни озиқ–овқат билан таъминлаб туради. Қолганлар эса Бенямин еридаги Гиво* аҳолисини Исроилда қилган шармандалиги учун жазолайди.
11 Шундай қилиб, бутун Исроил халқи бир ёқадан бош чиқариб, шаҳарга ҳужум қилиш учун тўпланди.
12 Исроил қабилалари Бенямин қабиласи бўйлаб одамларни юбориб дедилар: “Эй халойиқ, орангиздаги айрим одамлар даҳшатли бир жиноятга қўл урди.
13 Гиводаги ярамасларни ҳозироқ бу ерга чиқаринглар, биз уларни ўлдириб, Исроил халқи орасидан ёвузликни йўқ қиламиз.” Аммо Бенямин қабиласи Исроил халқининг гапларига қулоқ солмади. 14 Улар шаҳарларидан чиқиб, Исроил халқига қарши жанг қилиш учун Гивога бордилар. 15 Ўша куни Гиво шаҳридан бўлган етти юзта сараланган жангчидан ташқари Бенямин қабиласининг бошқа шаҳарларидан келган қуролланган сипоҳларнинг сони йигирма олти минг эди.
16 Буларнинг орасида етти юз нафар чапақай аскар бор эди. Уларнинг ҳаммаси моҳир мерган эди. Уларга бир тола сочни нишон қилиб қўйган тақдирда ҳам палахмондан тош отиб, мўлжалга бехато теккизишарди. 17 Исроил халқи эса Бенямин қабиласидан ажралган ҳолда 400.000 қуролланган моҳир жангчини тўплади.

Бенямин қабиласига қарши жанг

18 Исроил лашкари Байтил шаҳридаги саждагоҳга* чиқиб: “Орамиздан ким биринчи бўлиб Бенямин қабиласига ҳужум қилиши керак?” — дея Худога илтижо қилди.
“Яҳудо қабиласи ҳужум қилсин”, — деб жавоб берди Эгамиз.
19 Кейинги куни эрталаб Исроил лашкари бориб, Гиво шаҳрининг яқинида қароргоҳ қурди. 20 Сўнг улар Бенямин жангчиларига ҳужум қилиш учун Гиво шаҳрининг рўпарасида саф тортишди. 21 Бенямин жангчилари Гиводан чиқиб, Исроил лашкари билан жанг қилишди. Ўша куни йигирма икки минг Исроил сипоҳи ҳалок бўлди. 22-23 Исроил лашкари Эгамизнинг ҳузурига бориб, кечгача фарёд қилди. Улар Эгамиздан: “Бенямин қариндошимизга қарши яна жанг қилайликми?” — деб сўрашди. “Уларга ҳужум қилинглар”, — деб жавоб берди Эгамиз. Исроил лашкари кўтаринки руҳда илгаригидай аввалги жойда саф тортди.
24 Улар иккинчи куни ҳам Бенямин жангчиларига қарши жанг қилишди. 25 Ўша куни Бенямин жангчилари Гиводан чиқиб, яна ўн саккиз минг моҳир Исроил сипоҳини ўлдиришди. 26 Шунда Исроил лашкари Байтилга* қайтиб, йиғи–сиғи қилди. Улар ўша куни кечгача Эгамизнинг ҳузурида ўтириб рўза тутишди. Эгамиз ҳузурида куйдириладиган қурбонликлар ва тинчлик қурбонликларини келтиришди.
27-28 Худонинг Аҳд сандиғи ўша ерда — Байтилда турган эди, Элазар ўғли Финхаз эса Аҳд сандиғи ёнида ўз хизматини адо этарди. Финхаз Ҳоруннинг набираси эди.
Исроил лашкари Эгамиздан: “Қариндошимиз Бенямин қабиласига қарши жанг қилайликми, йўқми?” — деб сўради.
“Жанг қилинглар, — деб жавоб берди уларга Эгамиз. — Эртага Мен уларни сизларнинг қўлингизга бераман.” 29 Исроил лашкари Гивонинг

теварак–атрофидаги пистирмаларга одамларни ўтирғизиб қўйди. 30 Ўзлари эса учинчи марта Бенямин жангчиларига қарши жанг қилиш учун Гиво рўпарасида олдингидай саф тортишди. 31 Бенямин жангчилари урушга чиқишди. Исроил лашкари илгаригидек чекина бошлади. Бенямин жангчилари Исроил лашкарини таъқиб қилиб, шаҳардан узоқлашиб қолишди. Улар Байтил ва Гивога кетадиган катта йўлларда ва очиқ майдонларда ўттизтача Исроил сипоҳини ўлдиришди. 32 Бенямин жангчилари: “Булар олдингидай тумтарақай бўлишяпти”, деб ўйлашган эди. Аслида эса Исроил лашкари уларни шаҳардан узоқлаштириш ниятида шундай қилаётган эди.

33 Исроил лашкарининг асосий қисми жанг майдонини орқага — Баал–Тамар шаҳри томон тортди. Шунда бирданига Гебо текислигидаги* пистирмада ётган сипоҳлар чиқишди. 34 Исроил лашкарининг ўн минг сараланган жангчиси Гивога ҳужум қилди ва у ерда қаттиқ жанг бошланди. Бенямин жангчилари бундай фалокат юз беришини кутишмаган эди.

35 Эгамиз уларни Исроил лашкари олдида мағлуб қилди. Ўша куни Исроил лашкари қуролланган 25.100 Бенямин жангчисини ўлдирди. 36 Шунда Бенямин жангчилари мағлубиятга учраганларини тушунишди.

Исроил лашкарининг асосий қисми Бенямин жангчилари олдида чекинган эди. Шу орқали улар Гиво атрофидаги пистирмаларда ўтирган Исроил сипоҳларига шаҳарга ҳужум қилиш учун қулай вазият яратиб берган эдилар. 37 Пистирмадаги сипоҳлар Гиво томон отилдилар. Улар шаҳардаги бор одамни қириб ташладилар. 38 Исроил лашкарининг асосий қисми билан пистирмадаги сипоҳлар ўзаро шундай келишиб олгандилар: шаҳардан қуюқ тутун чиқиши биланоқ, 39 Исроил лашкарининг асосий қисми орқага қайтиб жанг қилиши керак эди.

Шу орада Бенямин жангчилари ўттизтача Исроил сипоҳини ўлдирган эдилар. Шу сабабдан улар: “Исроил лашкари илгаригидай чекиниши аниқ”, деб ўйлаган эдилар. 40 Бироқ ортга қараганларида шаҳардан қуюқ тутун булут бўлиб кўтарилганини ва бутун шаҳар ёнғин остида қолганини кўрдилар. 41 Шунда Исроил лашкарининг асосий қисми ортига қайтди. Бенямин жангчилари эса мағлубиятга учраганларини англаб, саросимага тушдилар. 42 Улар Исроил лашкаридан қочмоқчи бўлиб, саҳро томон югурдилар, аммо қирғиндан қочиб қутула олмадилар. Чунки шаҳардан чиқиб келаётган сипоҳлар билан Исроил лашкарининг асосий қисми уларни икки томондан сиқиб келаётган эди. 43 Исроил лашкари Бенямин жангчиларини қуршовга олиб, Гивонинг шарқ томонигача уларни тўхтамай таъқиб қилиб, ўлдирди. 44 Бенямин қабиласининг ўн саккиз минг баҳодир жангчиси ҳалок бўлди. 45 Бошқалари эса саҳродаги Риммон қоясига қараб қочишди. Исроил лашкари улардан беш мингтасини катта йўлларда қириб ташлади, қолганларини эса Гидўмгача таъқиб қилиб, яна икки мингтасини ўлдирди. 46 Ўша куни Бенямин қабиласидан жами йигирма беш минг қуролланган довюрак жангчи ҳалок бўлди. 47 Аммо олти юзта сипоҳ саҳродаги Риммон қоясига қочишга муваффақ бўлди. Улар тўрт ой мобайнида у ерда яшаб юрдилар. 48 Исроил лашкари Бенямин шаҳарларига қайтиб, у ерда қолган–қутган одамларни, молларни, барча жонзотни қириб ташлади, атрофдаги шаҳарларга ўт қўйди.

21–БОБ

Бенямин йигитлари учун келинлар

1 Исроил халқи Миспахдаги* йиғинда: “Биронтамиз ҳам Бенямин қабиласига
қиз узатмаймиз”, — деб онт ичган эди. 2 Бенямин қабиласи билан бўлган урушдан
кейин Исроил халқи Байтилга* бориб, Худонинг ҳузурида кечгача ўтирди. Улар
фарёд кўтариб: 3 “Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз, нега бундай кўргилик
бошимизга тушди?! Нега Исроилнинг бир қабиласи йўқ бўлиб кетди?!” дея
аччиқ–аччиқ йиғладилар.

4 Эртаси куни одамлар барвақт туриб, у ерда қурбонгоҳ қурдилар. Улар
куйдириладиган қурбонликлар ва тинчлик қурбонликларини келтирдилар.
5 Кейин бир–бирларидан: “Исроил қабилаларидан Эгамиз ҳузурида ўтказилган
йиғинга келмаганлар борми?” деб сўрадилар. Чунки улар, Миспахда — Эгамиз
ҳузурида ўтказилган йиғинда иштирок этмаган ҳар бир кишининг жазоси
ўлимдир, деб қатъий бир қасам ичган эдилар. 6 Исроил халқи ўз жигари бўлган
Бенямин қабиласига ачиниб: “Эвоҳ, бугун Исроилнинг бир қабиласи йўқ бўлди”,
дея кўп ўкинди. 7 “Ўша қабиладан фақатгина бир нечта йигит омон қолди, холос.
Энди улар учун қаердан қиз топамиз? Биронтамиз уларга қиз узатмаймиз, деб
Эгамизнинг номи билан қасам ичган эдик–ку!”

8 Исроил халқи: “Миспахдаги йиғинда қатнашмаганлар борми?” дея суриштира
бошлади. Шунда Гиладдаги Ёбош шаҳрининг аҳолиси йиғинда қатнашмаганлиги
маълум бўлди. 9 Чунки йўқлама қилинганда ўша шаҳардан ҳеч ким йўқ эди.
10 Бутун жамоа ўн икки минг жангчини танлаб, уларга: “Боринглар, Гиладдаги
Ёбош шаҳрининг бутун аҳолисини қириб ташланглар, хотину бола–чақаларини
ҳам аяманглар!” деди. 11 “Ҳар бир эркак ва эр кўрган ҳар бир аёл ўлдирилсин.”
12 Жангчилар Ёбош* аҳолисининг орасидан тўрт юзта эр кўрмаган, ёш бокира
қизни топиб, уларни Канъон юртидаги Шилў қароргоҳига олиб келдилар.

13 Кейин бутун жамоа Риммон қоясидаги Бенямин одамларига хабар юбориб,
тинчлик эълон қилди. 14 Бенямин одамлари ўз уйларига қайтиб боришди. Исроил
халқи Гиладдаги Ёбош аҳолисининг омон қолган қизларини уларга турмушга
берди. Аммо қизларнинг сони Бенямин одамларига қараганда камроқ эди.

15 Исроил халқи Бенямин қабиласига ниҳоятда ачинар эди, чунки Эгамиз
уларни деярли йўқ қилиб юборган эди. 16 Шунда жамоа оқсоқоллари шундай
дедилар:

— Оббо, энди қолган Бенямин ўғилларига қаердан қиз топиб берамиз?
Уларнинг қабиласидан биронта қиз ҳам тирик қолмади–ку! 17 Бенямин қабиласи
Исроилдан батамом йўқ бўлиб кетмаслиги учун омон қолганлари насл
қолдиришлари керак. 18 Лекин шуниси ҳам борки, биз: “Бенямин қабиласига қиз
узатган лаънати бўлгай!” деб қасам ичиб қўйдик, энди уларга қиз узата олмаймиз.

19 Шунда одамлардан биттаси:

— Ҳа, айтганча, Эгамизга бағишлаб Шилўда ҳар йили ўтказиладиган байрам
ҳақида нима дейсизлар? — деди. — Лавўн ва Байтил шаҳарларининг ўртасида
жойлашган бу шаҳар, Байтилдан Шакамга кетадиган йўлнинг шундоқ
ёнгинасида–ку.

20 Оқсоқоллар Бенямин қабиласидан бўлган бўйдоқ йигитларга шундай
уқтирдилар:

— Боринглар, узумзорларда яшириниб, 21 пойлаб туринглар. Шилў қизлари
ўйинга чиққанда, узумзордан чиқиб, ҳар бирингиз ўзларингиз учун қиз олиб
қочинглар. 22 Қизларнинг оталари ёки ака–укалари олдимизга шикоят қилиб

келадиган бўлишса, биз уларга шундай деймиз: “Қизларингизни олиб
қолишимизга ижозат беринглар. Тушунинглар ахир, биз Гиладдаги Ёбошга ҳужум
қилганимизда Бенямин йигитлари учун етарлича қиз олиб кела олмадик. Гарчи
Бенямин йигитлари қизларингизни олиб қочган бўлса–да, сизлар қасамни бузган
ҳисобланмайсизлар.”
23 Бенямин одамлари Шилўга бориб, узумзорларда яшириниб олдилар. Қизлар
рақсга тушганларида улар ўзлари учун биттадан қиз олиб қочдилар. Сўнг олиб
қочган қизлари билан уйларига қайтиб кетдилар, шаҳарларини тиклаб, ўша
жойда яшадилар. 24 Бутун Исроил жамоаси ҳам уй–уйларига, қабилалари ва
оилаларига қайтиб борди.
25 Ўша даврларда Исроилда шоҳ йўқ эди. Ҳар бир одам билганини қилар эди.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Ёшуанинг ўлими* — Ёшуа 24:29-30 га қаранг.

1:7 *...дастурхонимдан тушган ушоқларни териб юришар эди* — бу ҳаракат мағлубият ва хорликнинг бир белгиси эди.

1:8 *...Қуддусга ҳужум қилиб, шаҳарни қўлга киритди* — шаҳар мағлуб бўлган бўлса ҳам, ҳали Исроил халқи томонидан эгалланмаган эди (шу бобнинг 21–оятига қаранг). Шоҳ Довуд Қуддусни босиб олгандан кейингина, Исроил халқи бу шаҳарга эгалик қилди (2 Шоҳлар 5:6-10 га қаранг).

1:10 *Хеврон шаҳри* — Қуддусдан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган.

1:12 *Холиб* — Яҳудо қабиласининг оқсоқолларидан бири (Ёшуа 14:6-14 ва Саҳрода 13:7, 31, 14:6, 10, 20-24 га қаранг). Шу бобнинг 12-15–оятларида ёзилган ҳикоя Ёшуа 15:13-19 да қайд этилган.

1:14 *...қиз Ўтниёлга: "Келинг, отамдан...* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча ва лотинча таржималарда *...Ўтниёл қизга: "Кел, отангдан....*

1:16 *пальма шаҳри Ерихо* — ибронийча матнда *Пальма шаҳри*. Ерихо шаҳрини шу ном билан ҳам аташарди.

1:17 *Хўрмах* — ибронийчадаги маъноси *вайрона*.

1:18 *Ғазо, Ашқалон, Эхрон шаҳарлари* — Филистларнинг бешта шаҳридан учтаси (Ёшуа 13:3 га қаранг).

1:19 *темир жанг аравалари* — бу араваларнинг баъзи қисмлари темирдан ясалган эди, холос.

1:20 *Мусо айтганидек...* — Ёшуа 15:13-14 га қаранг.

1:20 *Оноқ авлодидан келиб чиққан учта уруғни* — Оноқ авлоди Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, улар гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқ (Саҳрода 13:33-34, Қонунлар 1:28, 2:10-11, 20-21, 9:1-2 га қаранг).

1:21 *бугунга қадар* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

1:22 *Байтил шаҳри* — Қуддусдан қарийб 19 километр шимолда жойлашган.

1:24 *яширин кириш жойи* — қадимда девор билан ўралган шаҳарларда фақат шаҳар аҳолиси биладиган бир–иккита кичкина кириш жойлари бўлган. Шаҳарнинг асосий дарвозалари қулф бўлса ҳам, одамлар мана шу жойлардан шаҳарга кира олардилар.

1:26 *Хет халқининг юрти* — Хет халқининг бир шоҳлиги бўлиб, маркази ҳозирги Туркия ҳудудида жойлашган эди. Бу шоҳлик бир вақтлар жанубдан ҳозирги Суриягача чўзилган эди.

1:34 *Амор халқлари* — бу ўринда умумий ном бўлиб, бу ном остида ўша вақтларда Канъонда истиқомат қилган Исроил халқидан бошқа қолган ҳамма халқлар назарда тутилган.

1:36 *Чаёнлар довони* — ибронийча матнда *Акрабим довони*, маъноси *чаёнлар довони*.

2:1 *Гилгал* — Ерихо шаҳридан шарқда жойлашган. Исроил халқи Ёшуа бошчилигида юртга кирганларидан кейин, биринчи марта мана шу жойда қароргоҳ қурганлар (Ёшуа 4:19-5:12 га қаранг).

2:3 *...сизларга душман бўлиб...* — ёки *...улар сизларга тузоқ бўлиб қолади...*, ёки *...улар сизларнинг биқинингиздаги тикандай бўлади...*.

2:5 *Бохим* — ибронийчадаги маъноси *йиғлайдиганлар*.

2:9 *Тимнат–Серах* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Тимнат–Харес*. Унинг Тимнат–Серах деган шакли Ёшуа 24:30 дан олинган (яна Ёшуа 19:50 га қаранг).

2:16 *ҳакамлар* — ўша вақтда Исроилнинг йўлбошчилари ҳакамлар деб аталган. Исроил халқи душманларига қарши уруш очганда, ҳакамлар лашкарбоши сифатида хизмат қиларди. Шунингдек, ҳакамлар қози вазифасини, айрим ҳолларда диний вазифаларни ҳам бажарар эдилар.

3:3 *бешта Филист беги* — бу беклар Филистларнинг Ғазо, Ашдод, Ашқалон, Гат ва Эхрон деган шаҳарларида ҳукмронлик қилардилар (Ёшуа 13:3 га қаранг).

3:3 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

3:7 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

3:8 *Орам–Нахрайим* — ибронийчадаги маъноси *Икки дарёнинг Орами* демакдир. Бу ер Фурот дарёси бўйида жойлашган бўлиб, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолий қисмини ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқий қисмини қамраб оларди.

3:10 *ҳакам* — 2:16 изоҳига қаранг.

3:12 *Мўаб юрти* — Ўлик денгизнинг шарқий қирғоғида жойлашган эди.

3:13 *пальма шаҳри Ерихо* — ибронийча матнда *Пальма шаҳри*. Ерихо шаҳрини шу ном билан ҳам аташарди.

3:16 *бир тирсак* — тахминан 45 сантиметрга тўғри келади.

3:19 *Гилгал* — бу жой Ерихо шаҳридан қарийб 2,5 километр масофада бўлган. Бу воқеа юз берганда шоҳ Эглон Ерихо шаҳридаги саройида бўлган бўлиши мумкин.

3:19 *ҳайкаллар* — ёки *бутлар* ёхуд *ёдгорликлар* (шу бобнинг 26–оятида ҳам бор).

3:22 *...ханжар тиғи шоҳнинг қорнини ёриб бутидан чиқди* — ёки *...у хонадан чиқиб кетди*.

3:31 *говрон* — йўғон новдадан қилинган, учи ўткирланган подачилар таёғи. Подачилар говрон билан молларни ниқтаб, юришга ундайди.

4:3 *темир жанг араваси* — 1:19 изоҳига қаранг.

4:4 *ҳакам* — 2:16 изоҳига қаранг.

4:6 *Товур тоғи* — Жалилада, Жалила кўлининг жанубий қирғоғидан қарийб 19 километр ғарбда жойлашган.

5:4 *Сеир* — Эдом юртининг яна бир номи.

5:10 *Эшитинг...* — ёки *Эълон қилинг...* ёхуд *Шу ҳақда куйланг...*.

5:11 *чўпонлар* — ёки *қўшиқчилар*.

5:14 *Омолекларни енгган Эфрайим* — Эфрайим қабиласи Омолек халқини енгиб, уларнинг қирли юртини эгаллаб олган эди (12:15 га қаранг).

5:20 *Жанг қилди юлдузлар самода туриб...* — само кучлари Исроил тарафида туриб жанг қилганлиги шеърий услубда кўрсатилган (4:7, 14-16 га қаранг).

6:1 *Мидиён халқи* — Канъондан жануби–шарқдаги чўл жойларда яшаган кўчманчи халқ.

6:5 *чигиртка* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

6:10 *Амор халқлари* — 1:34 изоҳига қаранг.

6:11 *узум сиқиш чуқури* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

6:15 *тўрам* — ёки *Раббим*. Бу ўриндаги ибронийча сўз одатда Худога нисбатан ишлатилади, лекин баъзи бир ҳолатларда ҳурмат кўрсатиш мақсадида одамларга нисбатан ҳам қўлланилади. Гидўн ҳали Эгамиз билан гаплашаётганини тушунмаган эди (шу бобнинг 22-23–оятларига қаранг).

6:19 *бир тоғора* — ибронийча матнда *бир эфа*, тахминан 22 килога тўғри келади.

6:22 *Вой…юзини кўрдим* — Эгамизни кўргани учун Гидўн, энди ўламан, деб жуда қўрқиб кетган эди. Исроил халқи, Худони кўрган одам ўлади, деб ишонарди (13:22, Ибтидо 32:30 ва Чиқиш 33:20 га қаранг).

6:24 *бугунга қадар* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

6:25 *Отангнинг етти яшар иккинчи буқаси* — ёки *Отангнинг буқаси билан бирга яна бир етти яшарли буқа*.

6:25 *Ашера* — 3:7 изоҳига қаранг.

6:26 *ўша буқа* — ёки *иккинчи буқа* (шу бобнинг 28–оятида ҳам бор).

7:1 *Мўре тепалиги* — Харўд булоғидан қарийб 8 километр шимолда жойлашган.

7:3 *Гилад тоғи* — одатда “Гилад” деб Иордан дарёсининг шарқида жойлашган ўлкага айтилади, лекин бу оятда Йизрил водийси яқинидаги, Иордан дарёсининг ғарбида жойлашган ерлар назарда тутилган. Эҳтимол, бу ўринда “Гилад” Гилбова тоғининг яна бир номи сифатида ишлатилган.

7:12 *чигиртка* — 6:5 изоҳига қаранг.

7:22 *…Байт–Шиттах…Овил–Махла шаҳри…* — бу шаҳарлар Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

7:25 *Орив ва Заёв* — ибронийчада Орив исмининг маъноси — *қузғун*, Заёв исмининг маъноси — *бўри*. Мидиён халқи, овчилар каби, Исроил халқини қувиб, уларни талон–тарож қиларди.

7:25 *узум сиқиш чуқури* — 6:11 изоҳига қаранг.

8:4 *…нариги қирғоққа ўтиб олди* — яъни дарёнинг шарқ томонига.

8:8 *Паниёл шаҳри* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Панувал*. Паниёл шаҳри Гиладда — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди (шу бобнинг 9, 17–оятларида ҳам бор).

8:9 *минора* — қадимда шаҳарлар девор билан ўралган бўлиб, маълум жойларида миноралар деворга туташтириб қурилган. Миноралардан мудофаа воситаси сифатида фойдаланилган.

8:24 *Мидиёнлар ҳам, Исмоил авлоди сингари…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Исмоил авлодидан бўлганлари учун…*. Исмоил ва Мидиён халқлари

Иброҳимнинг иккита ўғлидан келиб чиққанлар (Ибтидо 25:1-2, 12 га қаранг). Бу халқлар яқин қариндош бўлганлари учун, уларнинг иккаловини ҳам баъзан Мидиён халқи, баъзан эса Исмоил халқи деб аташарди (яна Ибтидо 37:28 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

8:26 *бир пуддан ортиқ* — ибронийча матнда *бир минг етти юз шақал*, тахминан 19,5 килога тўғри келади.

8:27 *ҳайкал* — ибронийча матнда *эфод*, олий руҳонийларнинг сажда маросимларида киядиган устки кийими (Чиқиш 28:6-30, Левилар 8:7 га қаранг). Бироқ бу ўринда олий руҳонийларнинг кийими эмас, балки сажда қилиш ва фол очишда ишлатиладиган буюм назарда тутилган. Бу буюм эфод шаклида ишланган олтин ҳайкал бўлиши мумкин.

8:29 *Гидўн* — ибронийча матнда *Еруббаал*, Гидўннинг яна бир исми (6:32, 7:1 га қаранг).

8:31 *чўри* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: чўри бўлган аёллар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

8:33 *Баал–Берит* — ибронийчадаги маъноси *аҳд Баали*.

9:1 *Гидўн* — ибронийча матннинг шу жойида ва мана шу бобнинг қолган қисмида *Еруббаал* деб ишлатилган, Гидўннинг яна бир исми (6:32, 7:1 га қаранг).

9:4 *Баал–Берит* — 8:33 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

9:4 *етмиш бўлак кумуш* — тахминан 770 граммга тўғри келади.

9:6 *Шакам* — Қуддусдан қарийб 50 километр шимолда, Исроил тепаликларида жойлашган шаҳар.

9:15 *Лубнондаги садрлар* — Лубнон тоғларида ўсадиган бу садр дарахтлари дунёнинг ўша ҳудудидаги энг катта дарахт турларидан эди.

9:31 *У билдирмай Абумалекнинг олдига чопар жўнатиб…* — ёки *У Армахдаги Абумалекнинг олдига чопар жўнатиб….*

9:37 *фолбинларнинг дарахти* — ибронийча матнда *Элон–Мўнаним*, маъноси *фолбинларнинг эман дарахти*.

9:41 *Армах* — Шакамдан қарийб 8 километр масофада жойлашган шаҳар.

9:45 *…устидан туз сочиб ташлади* — бу ҳаракат Абумалекнинг бу шаҳарда энди ҳеч нарса ўсмайди, ҳеч ким яшамайди, деб лаънатлаганининг рамзи бўлиши мумкин (Қонунлар 29:23, Забур 106:34, Еремиё 17:6 га қаранг).

9:46 *Баал–Берит* — ибронийча матнда *Эл–Берит*. Маъноси *аҳд худоси*, Баал–Беритнинг яна бир номи (8:33 га ва шу бобнинг 4–оятига қаранг).

9:48 *Залмон тоғи* — Шакам шаҳри яқинида жойлашган Эбал тоғининг ёки Гаризим тоғининг яна бир номи.

10:2 *ҳакам* — 2:16 изоҳига қаранг.

10:4 *…ўттизта эшакни минишар…ўттизта шаҳарга эгалик қилишарди* — бу уларнинг бойлиги ва баланд лавозимга эга эканликларининг белгиларидир.

10:4 *бугунга қадар* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

10:4 *Ёвир шаҳарлари* — ибронийча матнда *Хавот–Ёвир*, маъноси *Ёвир шаҳарлари*.

10:12 *Моюн* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларида *Мидиён*. Моюн Мавун халқининг яна бир номи бўлиши мумкин. Мавун халқи Мидиён халқи яшайдиган жойда яшарди. Улар Мидиён халқидан келиб чиққан бир гуруҳ бўлиши ҳам мумкин.

10:17 *Миспах* — 10-12–бобларда Миспах сўзи Гиладдаги бир шаҳарга нисбатан ишлатилган (11:29 га қаранг), Гилад ўлкаси Иордан дарёсининг шарқида, Ўлик денгизнинг шимолида жойлашган. Кейинроқ 20-21–бобларда Миспах деб бошқа шаҳар ҳақида айтилган.

11:11 *Миспах* — 10:17 изоҳига қаранг.

11:16 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади.

11:16 *Кадеш* — Кадеш–Барна номи билан ҳам маълум бўлиб, ҳозирги Ақаба қўлтиғининг шимолий қирғоғидан қарийб 145 километр шимоли–ғарбда жойлашган воҳа (Саҳрода 20:1, 14-21 га қаранг).

11:24 *...худойинг Хамўш берган нарсаларга эгалик қил!* — қадимда одамларнинг тасаввурига кўра ҳар бир халқнинг ўз худоси бўлиб, бу худолар ўша халқларнинг ҳудудларига эгалик қилишарди. Мўаб халқининг худоси Хамўш, Оммон халқининг худоси Мўлах ҳисобланарди (3 Шоҳлар 11:7 га қаранг). Оммон халқи Исроил халқидан тортиб олмоқчи бўлган бу ерлар олдин Мўаб халқига, сўнг Амор халқига қарашли бўлган (Саҳрода 21:26 га қаранг). Шу боис, бу оятда Оммон шоҳига “худойинг Хамўш берган нарсаларга эгалик қил” деб айтилган.

11:25 *Нима, сенинг...Болоқдан ортиқ жойинг бормиди?!* — Болоқ Мўабнинг олдинги шоҳи эди. У Балом деган одамни, Исроил халқини лаънатлагин, деб ёллаган эди, аммо ўша одам гапирганда унинг оғзидан фақат дуо чиқди, чунки у орқали Худо гапирган эди (Саҳрода 22:1-24:25 га қаранг).

12:7 *ҳакам* — 2:16 изоҳига қаранг.

12:8 *Байтлаҳм* — бу ўринда Қуддусдан жанубда жойлашган шаҳар эмас, Забулун қабиласининг ҳудудида жойлашган кичкина бир шаҳарча ҳақида гап кетаётган бўлиши мумкин.

12:14 *...етмишта эшакни миниб юришарди* — бу бадавлат оила эканини билдирар эди.

13:2 *Дан қабиласи* — бу пайтда Дан қабиласи Филистлар яшайдиган денгиз соҳили бўйидаги текисликлар ёнида, Исроил юртининг жануби–ғарбида ўрнашган эди. Кейинроқ Дан қабиласи шимолга кўчди (18–бобга қаранг).

13:5 *...Худога назр қилингай...* — ибронийча матнда алоҳида бир сўз ишлатилган бўлиб, бу сўз Худога хизмат қилиш учун махсус ваъда берган одамни билдиради. Баъзи инсонлар махсус ваъда бериб, ўзларини бирмунча вақт Худонинг хизматига бағишлар эдилар. Баъзи бировлар эса туғилган пайтлариданоқ шу ваъда орқали Худога бағишланганлар. Таврот қонунига кўра, ўзини Худога бутунлай бағишлаб, назр қилган одам шароб ёки май ичмаслиги, сочини қирқмаслиги, мурдага тегмаслиги керак эди (Саҳрода 6:1-8, 21 га қаранг). Ибронийча матнда шу маънодаги сўз мазкур бобнинг 7–оятида ҳам бор.

13:22 *Биз ўламиз, чунки биз Худони кўрдик!* — 6:22 изоҳига қаранг.

13:25 *Зорох билан Эштойўл шаҳарлари* — Исроилнинг жануби–ғарбида,

Филистлар яшайдиган денгиз соҳили бўйидаги текисликларда жойлашган.

13:25 *Дан қабиласининг қароргоҳи* — ибронийча матнда *Махонех–Дан*, маъноси *Дан қароргоҳи*.

14:9 *...асални шернинг мурдасидан олганини айтмади* — Шимшўн Худога бағишланган бўлгани учун у ўлик ҳайвоннинг жасадига тегиши мумкин эмас эди (13:5 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Таврот қонунига кўра, жасад ва жасадга теккан мана шу асал ҳам ҳаром ҳисобланарди, шунинг учун уларга теккан одам ҳаром бўлиб қоларди (Левилар 11:27-40 га қаранг).

14:15 *еттинчи* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча ва сурёнийча таржималарда *тўртинчи*.

14:19 *Ашқалон шаҳри* — Филистларнинг бешта шаҳридан биттаси (1:18-19 га қаранг).

15:6 *отасининг хонадони* — кўплаб иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан (яна 14:15 га қаранг). Ибронийча матнда *отаси*.

15:8 *Этом қояси* — бу қоя Яҳудо қабиласининг ҳудудида, Байтлаҳм шаҳридан бир неча километр жанубий–ғарбда жойлашган.

15:9 *Лехи* — ибронийчадаги маъноси *жағ суяги*.

15:16 *уюм–уюм* — ибронийчада *уюм* ва *эшак* сўзлари ўзаро оҳангдош.

15:17 *Рамат–Лехи* — ибронийчадаги маъноси *жағ суяги тепалиги*.

15:19 *Эн–Хаққор* — ибронийчадаги маъноси *фарёд қилганнинг булоғи*.

15:19 *бугунга қадар* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

15:20 *ҳакам* — 2:16 изоҳига қаранг.

16:2 *...шаҳар дарвозасида...* — бу ибора ҳам шаҳар дарвозасига, ҳам дарвозанинг ёнида шаҳар деворлари орасига қурилган хоналарга нисбатан ишлатилган. Бу хоналардан қўриқчилар ва бошқа назоратчилар хизмат пайтида фойдаланганлар.

16:3 *Хеврон* — Ғазодан қарийб 65 километр шарқда жойлашган шаҳар.

16:5 *Филист беклари* — 3:3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

16:5 *1100 бўлакдан кумуш* — тахминан 13 килога тўғри келади.

16:7 *янги, қуриб улгурмаган камон ипи* — камон ипи кўпинча ҳайвон ичагидан эшилиб қилинган. Бу иплар ичаклар ҳали ҳўллигида қилинган, улар қуригандан кейин жуда ҳам пишиқ бўлиб қолган.

16:13-14 *...моки ёрдамида яхшилаб маҳкамлаб қўйсанг...[14]...унинг етти тутам сочини дастгоҳдаги матога қўшиб тўқиди–да...* — қадимий юнонча таржимадан. Бу сўзлар котибнинг хатоси туфайли ибронийча матнда тушиб қолган.

16:17 *...онамнинг қорнидаёқ Худога назр қилинганман* — 13:2-5 оятларга ва 13:5 изоҳига қаранг.

16:31 *Зорох билан Эштойўл шаҳарлари* — 13:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

16:31 *ҳакам* — 2:16 изоҳига қаранг.

17:2 *1100 бўлак кумуш* — тахминан 13 килога тўғри келади.

17:4 *кумуш бўлакларининг 200 таси* — тахминан 2,3 килога тўғри келади.

17:4 *...бут ясаб, уни кумуш билан қоплади* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...кумушдан ўйма бут ва қуйма бут ясади*. Ибронийча матнда кейинроқ

фақат битта бут ҳақида сўз юритилган. Шунинг учун биттагина бут ясалганининг эҳтимоли кўпроқ. Бу бут ўйиб ясалгандан сўнг кумуш билан қопланган эди.

17:5 *руҳонийлар киядиган махсус либос* — ибронийча матнда *эфод*. Ҳойнаҳой бу оятда *эфод* сўзи саждагоҳда хизмат қиладиган руҳоний киядиган кийимга ишора қилади. Мусонинг акаси олий руҳоний Ҳорун кийган эфодга ўхшатиб тикилган бўлиши мумкин (Чиқиш 28:6-30, Левилар 8:7 га қаранг). Ёки одамлар сажда қилган ёки фол очиш учун ишлатган нарса ҳақида айтилган бўлиши ҳам мумкин (яна 8:27 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

17:5 *хонаки санамлар* — ибронийча матнда *терафим*. Одамлар бу санамлардан фол очишда фойдаланган бўлсалар керак.

17:7 *Байтлаҳм шаҳри* — Қуддусдан қарийб 8 километр жанубда жойлашган.

17:7 *леви* — Худо томонидан Муқаддас чодирда хизмат қилиш учун танланган, Леви қабиласига мансуб одам (Саҳрода 3:5-10 га қаранг).

17:10 *ўн бўлакдан кумуш* — тахминан 110 граммга тўғри келади.

18:2 *Зорох ва Эштойўл шаҳарлари* — 13:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

18:3 *леви* — 17:7 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

18:7 *…Лайиш шаҳри…Сидон…* — Лайиш шаҳри Исроилнинг энг шимолий қисмида жойлашган шаҳар эди. Сидон эса Финикияга қарашли шаҳар бўлиб, Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди.

18:12 *бугунга қадар* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

18:12 *Дан қароргоҳи* — 13:25 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

18:14 *руҳонийлар либоси* — ибронийча матнда *эфод* (шу бобнинг 17, 18, 20–оятларида ҳам бор). 17:5 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

18:14 *хонаки санамлар* — ибронийча матнда *терафим* (шу бобнинг 17, 18, 20–оятларида ҳам бор). Одамлар бу санамлардан фол очишда фойдаланган бўлсалар керак.

18:29 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

18:30 *Мусо* — ибронийча матнда бу сўз *Манаше* дея ўқилсин деб, махсус белгиланган. Қадимги иброний котиблари Мусонинг номига доғ туширмаслик ниятида шундай қилган бўлишлари мумкин, чунки бу ўринда аниқ Мусонинг авлодидан бўлган Йўнатаннинг бутпарастлиги ҳақида гап кетяпти.

18:30 *Исроил халқи сургун бўлгунига қадар…* — милоддан олдинги 722 йилда Исроил, яъни шимолий шоҳлик Оссурияга сургун қилинган.

18:31 *Шилў шаҳри* — Қуддусдан қарийб 32 километр шимолда жойлашган бўлиб, Исроил халқи сажда қиладиган асосий жой бўлиб қолган эди. Худога сажда қилиш учун бориладиган асосий жой Шилўдаги Муқаддас чодир эди. Бу пайтда ҳали Қуддусдаги Маъбад қурилмаган эди.

19:1 *чўри* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: чўри бўлган аёллар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган. Бу ибронийча сўз бу матннинг қолган қисмида (19:1-20:6) *хотин* деб таржима қилинган.

19:13 *…Гиво…Рама…* — Қуддусдан Гивогача бўлган масофа тахминан 5 километр,

у ердан Рамагача бўлган масофа ҳам тахминан 5 километр эди.

19:21 *...оёқларини ювиб...* — одамлар у даврда усти очиқ оёқ кийим кийиб юришган. Узоқ йўл юриб ёки далада ишлаб келганларидан кейин оёқларини ювишган. Бу одат тусига кирган эди.

19:28 *Лекин жавоб бўлмади* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Лекин жавоб бўлмади, у ўлик эди*.

20:1 *Миспах* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган шаҳар. 20-21–бобларда тилга олинган бу Миспах шаҳри 10-12–боблардаги Миспах шаҳридан бошқа.

20:4 *хотиним* — 19:1 изоҳига қаранг.

20:9 *...Худодан сўраб, қуръа ташлаймиз* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

20:10 *Гиво* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Гебо*.

20:18 *...Байтил шаҳридаги саждагоҳга...* — ёки *...Худонинг уйига...*, чунки ибронийча матндаги *байтил* сўзининг маъноси *Худонинг уйи* демакдир. Бу ибронийча сўз одатда Қуддусдан қарийб 19 километр шимолда жойлашган Байтил шаҳрига нисбатан ишлатилади, лекин бу ўринда Шилўдаги саждагоҳ назарда тутилган бўлиши мумкин (18:31 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

20:26 *Байтил* — шу бобнинг 18–ояти изоҳига қаранг.

20:33 *...Гебо текислигидаги...* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча ва лотинча таржималарда *Гиводан ғарбдаги*. Гебо шаҳри Бенямин қабиласига қарашли ҳудудда, яъни Гиводан қарийб 4 километр шимоли–шарқда жойлашган.

21:1 *Миспах* — 20:1 изоҳига қаранг.

21:2 *...Байтилга...* — ёки *...Худонинг уйига...*, чунки ибронийча матндаги *байтил* сўзининг маъноси *Худонинг уйи* демакдир. Бу ибронийча сўз одатда Қуддусдан қарийб 19 километр шимолда жойлашган Байтил шаҳрига нисбатан ишлатилади, лекин бу ўринда Шилўдаги саждагоҳ назарда тутилган бўлиши мумкин (18:31 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

21:12 *Ёбош* — Гиладдаги шаҳар. Гилад — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ўлка.

РУТ
КИТОБИ

Кириш

Рут китобида ҳакамлар даврида яшаган яҳудий бир оиласининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу оила кейинчалик Исроилда муҳим ўрин тутди. Чунки Рутнинг эвараларидан бири Довуд буюк шоҳ бўлди.

Китобда Рутдан ташқари яна бир асосий қаҳрамон унинг қайнанаси Наимадир. Наима эри ва икки ўғли билан Байтлаҳм шаҳрида яшарди. Лекин Исроил юртида очарчилик бошлангани учун бу оила Мўаб юртига йўл олади. Наиманинг эри у ерда вафот этади, ўғиллари эса Мўаблик қизларга уйланадилар. Ўша қизлардан бири Рут эди.

Наиманинг иккала ўғли ҳам Мўабда оламдан ўтгач, Наима Байтлаҳмга қайтишга қарор қилади. Наима иккала келинидан Мўабда қолишларини ва ўзларига бошқа қайлиқ топишларини ўтиниб сўрайди. Лекин Рут Наима билан бирга Байтлаҳмга кетишга қарор қилади. Китоб давомида Рут қандай қилиб Наиманинг Бўаз исмли бой қариндошига турмушга чиққани тўғрисида ҳикоя қилинади.

Таврот қонунига мувофиқ*, Мўабликларнинг Исроил халқи қаторига қўшилиши ман қилинган эди. Бироқ Рут Худога ва қайнанасига бўлган меҳри ва самимий садоқати туфайли, истисно тариқасида Исроил халқи қаторига қўшилади.

Бутун Исроил халқи руҳий инқирозга учраган, Худога бўлган эътиқодидан воз кечган оғир бир даврда Рут ва Бўаз чин садоқат тимсоли бўлиб гавдаланади.

1–БОБ

Элималек оиласи билан Байтлаҳмдан Мўабга кўчади

1 Исроилда ҳакамлар* ҳукмронлиги даврида бир муддат очарчилик бўлган эди. Бир одам хотини ва икки ўғли билан бирга бирмунча вақт яшаш ниятида Мўаб юртига* жўнади. У Яҳудонинг Байтлаҳм шаҳридан* эди. 2 У одамнинг номи Элималек, хотинининг оти Наима, ўғилларининг исмлари эса Махлўн ва Хилён эди. Бу оила Яҳудонинг Байтлаҳм шаҳридан — Эфратлик* эди. Улар Мўаб юртига бориб, ўша ерда яшаб қолди.

3 Улар ўша ерда яшаётганларида, Элималекнинг ажали етди. Наима икки ўғли 4 билан қолди. Унинг ўғиллари Мўаблик қизларга уйландилар. Қизлардан бирининг исми Ўрпа, иккинчисиники Рут* эди. Улар ўша ерда ўн йилча яшашгандан кейин 5 Махлўн ва Хилён иккаласи ҳам вафот этишди. Наима ҳам эридан, ҳам фарзандларидан айрилиб, ёлғиз қолди.

Наима ва Рут Байтлаҳмга қайтишади

6-7 “Эгамиз Ўз халқига эътибор бериб, уларга нон берди” деган хабарни эшитгач, Наима ўз юртига қайтишга қарор қилди. Наима яшаб келган Мўаб юртини ташлаб, келинлари билан бирга йўлга тушди ва Яҳудога қараб юришди. 8 Йўлда давом этишаркан, Наима иккала келинига деди:

— Боринглар, икковингиз ҳам оналарингизнинг уйларига қайтинглар. Менга ва марҳумларга бўлган иззат–ҳурматингиз учун Эгам сизларга ҳам марҳамат қилсин. 9 Икковларингизга ҳам яхши жойлардан ато қилсин, турмуш қуриб, ўз

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

эрларингиз билан бахтли бўлинглар!

Шундай деб Наима келинларини ўпди, иккаласи эса йиғлаб фарёд кўтаришди:
10 — Йўқ, биз сиз билан кетамиз, сизнинг халқингиз орасида яшаймиз, —
дейишди. 11 Наима эса яна келинларига:

— Қайтинглар, жон қизларим! — деди. — Мен билан кетганингиздан нима фойда?! Қорнимда яна ўғилларим бормидики, сизларга умр йўлдоши бўлса?!*
12 Бўлди энди, қизларим, қайтинглар! Мен энди кексайдим, эрга тегишга ожизман. Борди–ю, мен, ҳали умид қилсам бўлади, деб шу кеча эрим билан қовушсам–у, ўғиллар туғсам, 13 улар улғайгунча сизлар кутиб турармидингиз?! Орқага чўзиб, турмушга чиқмай юрармидингизлар?! Йўқ, қизларим. Сизларни ўйлаб жуда қайғуряпман. Ахир, Эгам шунча кўргиликни бошимга солди–ку.

14 Улар яна йиғлаб, дод–вой кўтаришди. Ниҳоят, Ўрпа қайнанаси билан ўпишиб хайрлашиб, орқага қайтиб кетди. Рут эса Наимага ёпишиб олди.

15 Наима Рутга:

— Мана, овсининг ўз халқи орасига, ўз худоларига* сиғинадиган юртга қайтиб кетди. Сен ҳам унинг орқасидан боргин, — деди.

16 — Сиздан ажралишга, қайтиб кетишга мени мажбур қилманг, — деди Рут. — Сиз қаерга борсангиз, мен ҳам ўша ерга бораман, сиз қаерда бўлсангиз, мен ҳам ўша ерда бўламан. Сизнинг халқингизни ўзимнинг халқим, сизнинг Худойингизни ўзимнинг Худойим дейман. 17 Сиз қаерда оламдан ўтсангиз, мен ҳам ўша ерда жон бериб, дафн қилинаман. Эгам мени не кўйга солса солсин, ҳатто ундан баттарроғини қилсин. Мени сиздан фақат ўлим ажрата олади*.

18 Наима амин бўлдики, келини у билан кетишга қатъий аҳд қилибди. Шундан сўнг уни кўндиришга қайта уринмади. 19 Икковлари йўл юриб Байтлаҳмга етиб келишди. Байтлаҳмга етиб келганларида, уларни кўриб бутун шаҳар ғимирлаб қолди. Аёллар бир–бирига: “Ийи, наҳотки бу ўша Наима бўлса?!” деб ҳайрон қолишди. 20 Наима уларга деди:

— Энди мени Наима* эмас, Мусибат* денглар. Чунки Қодир Худо бошимга чексиз қайғу–кулфат солди. 21 Мен бу ердан тўкис бўлиб чиқиб кетган эдим, Эгам эса қуп–қуруқ қайтарди. Энди нега мени Наима дейсизлар?! Ахир, Эгам — Қодир Худо мени азоб–уқубатларга гирифтор қилиб, бахтсиз қилди–ку!

22 Шундай қилиб, Наима Мўаблик келини Рут билан бирга Мўаб юртидан қайтиб келди. Улар Байтлаҳмга келган пайтда арпа ўрими бошланган эди*.

2–БОБ

Рутнинг Бўаз билан учрашуви

1 Наиманинг Бўаз деган қариндоши бўлиб, анчагина обрўли, бадавлат одам эди. У Наиманинг марҳум эри Элималек уруғидан эди. 2 Бир куни Мўаблик Рут Наимага:

— Мен далага бормоқчи эдим. Ким илтифот кўрсатса, ўша даладан бошоқ териб келардим*, — деди.

— Майли, боравер, қизим, — деди Наима.

3 Рут кетди. Далага етиб келиб, ўроқчиларнинг орқасидан тўкилган бошоқларни тера бошлади. Қарангки, бу дала Элималекнинг қариндоши Бўазники экан.

4 Бир пайт Байтлаҳмдан Бўаз келиб қолди. У ўроқчиларга:

— Ҳормanглар, Худо сизларга ёр бўлсин! — деди. Улар ҳам:

— Бор бўлинг, Худо умрингизга барака берсин! — деб жавоб қайтаришди.

5 Бўаз ўроқчилар назоратчисига Рутни кўрсатиб:
— Бу жувон ким? — деб сўради. 6 Ўроқчилар назоратчиси:
— Бу ўша Мўаблик мусофир, — деди, — Наима билан бирга Мўаб юртидан келган. 7 У: “Мен ўроқчилар орқасидан юриб, тўкилган бошоқларни териб олсам”, деб сўраган эди. Тонг саҳарда келиб шу чоққача тинмай далада ишлади. Ҳозиргина чайлада бир оз дам олгани ўтирди.
8 Бўаз Рутга:
— Менга қара, қизим, — деди, — бошоқ териш учун бошқа далага бормай қўя қол. Шу ерда менинг чўриларим билан бирга юравер. 9 Сен фақат хизматкорларим буғдой ўраётган далада бўл, уларнинг орқасидан юравер. Хизматкорларимга тайинлаб қўяман, сенга индашмайди. Чанқасанг, анави идишларда сув бор. Қудуқдан хизматкорларим тортиб олган, ичавер!
10 Рут ер ўпгудай бўлиб таъзим қилди–да, Бўазга шундай деди:
— Нечун назарингизга тушиб, шунчалик меҳрингизга сазовор бўлдим? Мен ахир, келгинди бўлсам, сиз менга шу қадар эътибор беряпсиз.
11 Бўаз шундай жавоб берди:
— Эринг ўлгандан кейин қайнанангга қандай муносабатда бўлганингни менга айтиб беришди. Сен ота–онангни, юртингни ташлаб, илгари ўзингга бегона бўлган халқ орасида яшашга келдинг. 12 Яхшиликларинг учун Эгамдан қайтсин. Сен паноҳ истаб келган Исроил халқининг Худоси — Эгамдан сенга тўлиқ мукофот бўлсин.
13 — Сизнинг меҳрингизга сазовор бўлайин, тўрам! — деди Рут. — Сиз мендай чўрингизнинг дилидаги армонларини гапириб, тасалли бердингиз. Лекин мен сизнинг чўриларингиздан биронтаси эмасман–ку.
14 Тушлик пайти бўлганда Бўаз Рутга:
— Бу ёққа кел, нондан ол, мусалласга ботириб егин, — деди.
Рут хизматкорлар ёнидан жой олди. Бўаз унга қовурилган донлардан узатди. Рут тўйди ва озроқ орттириб ҳам қолдирди.
15 Сўнгра Рут яна бошоқ териб олай деб, ўрнидан туриб нарига кетди. Бўаз хизматкорларига шундай буйруқ берди:
— У боғламлар орасидан ҳам териб олаверсин, зинҳор хафа қила кўрманглар. 16 Ҳатто боғламдан атайин ташлаб қолдириб кетинглар. У териб олсин, уни койиманглар.
17 Шундай қилиб, Рут қош қорайгунча далада бошоқ терди, терганларини янчди. У янчган арпа бир тоғорадан кўпроқ* чиқди. 18 Донни кўтариб, шаҳарга жўнади. У териб келган донни қайнанасига кўрсатди. Рут ўзи тўйгандан сўнг орттириб қолдирган қовурилган донларни қайнанасига берди. 19 Қайнанаси Рутдан сўради:
— Қайда ишладинг? Кимнинг даласидан бошоқ тердинг бугун? Сенга ёрдам кўрсатганни Худо ёрлақасин!
Рут кимникида ишлаганини қайнанасига айтди:
— Бугун мен ишлаган даланинг эгаси Бўаз деган одам экан, — деди. 20 Наима келинига:
— Уни Худо ёрлақасин! — деди ҳаяжонланиб. — Тирикларга, ҳам марҳумларга* содиқ қолиб, марҳаматини дариғ тутмабди.
Сўнг:
— У киши бизнинг яқин қариндошларимиздан, оиламизни ўз паноҳига олишга бурчли одамлардан*, — деб қўшиб қўйди.
21 Мўаблик Рут ҳам қўшимча қилди:

— У менга ҳатто, даламда ўрим–йиғим тугамагунча, менинг хизматкорларим билан бирга юравер, деб айтди.

22 Наима келинига:

— Яхши, қизим, сен унинг чўри қизлари билан юравер. Бегона далага борсанг, сенга озор беришлари мумкин, — деди.

23 Шу тариқа Рут арпа ва буғдой ўрими тугагунга қадар*, Бўазнинг чўри қизлари ёнида бошоқ териб юрар, қайнанаси билан бирга яшарди.

3–БОБ

Рут ва Бўаз хирмонда

1 Орадан маълум вақт ўтгач, Рутга қайнанаси Наима шундай деди:

— Қизим, бирортаси билан рўзғор қилсанг, ўзингга яхши бўлармиди. Мен сенга қайлиқ топиб беришим лозим. 2 Ўша Бўаз бизнинг қариндошимиз, сен унинг чўрилари билан бирга бўлган эдинг–ку. Биласанми, бугун кечқурун* у хирмонда арпасини совуради. 3 Энди сен ювиниб–тараниб, чиройли кийимларингни кий, кейин хирмонга бор. Лекин Бўаз еб–ичиб бўлмагунча, унга кўринма. 4 У ухлашга ётганда, ётган жойини билиб олгин–да, сўнг бориб оёқ томонини очиб, ўша ерда ёт*. Нима қилишни унинг ўзи айтади.

5 Рут қайнанасига:

— Ҳаммасини айтганингиздай қиламан, — деди.

6 Рут хирмонга жўнади. Етиб келиб, қайнанаси айтгандай қилди. 7 Бўаз еб–ичди, вақти чоғ бўлди. Сўнг ғарам ёнига бориб ёнбошлади–да, ухлаб қолди. Рут оҳиста келиб, унинг оёқ томонини очиб, ётди. 8 Ярим кечаси Бўаз чўчиб уйғониб кетди. Қараса, оёқ томонида бир аёл ётибди.

9 — Кимсан? — деб сўради аёлдан. Рут унга:

— Сизнинг чўрингиз Рутман. Чўрингизни паноҳингизга олсангиз*, ахир, сиз бизнинг оиламизни паноҳингизга олишга бурчли одамсиз*, — деди. 10 Бўаз Рутга деди:

— Сени Худо ёрлақасин, қизим. Оилангга сенинг бу сафарги қилган садоқатинг олдингисидан ҳам аълодир. Сен камбағал ёки бойвачча йигитларнинг ортидан чопмадинг. 11 Энди хавотирланма, қизим. Айтганларингнинг ҳаммасини муҳайё қиламан. Бутун шаҳар халқи сенинг олижаноб аёл эканлигингни билади. 12 Тўғри, мен сизларнинг оилангизни паноҳимга олишга бурчли одамман, лекин бу ишга мендан ҳам яқинроғи бор. 13 Шу кеча ўтсин, ётавер. Агар эртага у киши сенга нисбатан ўз бурчини ўтамоқчи бўлса, майли, сени олаверсин. Борди–ю, ўз бурчини ўташни хоҳламаса, мен ўз зиммамга оламан. Худо ҳақи, мен ўз зиммамга оламан. Эрталабгача ухлайвер. 14 Лекин тонг пайтида туриб кет, хирмонга келганингни одамлар билмай қўя қолишсин.

Рут Бўазнинг оёқ томонида саҳаргача ухлади. Кўз кўрмайдиган, ғира–шира тонг пайтида Рут ўрнидан турди. 15 Бўаз Рутга:

— Шолрўмолингни очиб, ушлаб тур, — деди.

Рут шолрўмолини очиб ушлаб турди. Бўаз эса олти тоғора* арпа ўлчаб, шолрўмолга солди ва орқасига кўтартириб қўйди. Кейин ўзи шаҳарга жўнаб кетди.

16 Рут эса қайнанаси олдига қайтди. Қайнанаси ундан:

— Нима бўлди, қизим? — деб сўради.

Бўаз Рутга қандай муносабатда бўлган бўлса, Рут ҳаммасини қайнанасига айтиб берди.

17 — У, қайнанангнинг олдига қуруқ қўл билан борма, деб мана бу олти тоғора
арпани ҳам бериб юборди, — деди Рут.
18 Қайнанаси Рутга деди:
— Қизим, бу ишлар нима билан тугайди, ҳали билмайсан. Кутиб тургин–чи, у
бу ишни бугуноқ охирига етказмай қўймаса керак.

4–БОБ

Бўаз Рутга уйланади

1 Бўаз шаҳар дарвозаси олдига чиқиб ўтирди*. Ўша пайт Бўаз айтган яқин
қариндоши* ёнгинасидан ўтиб қолди. Бўаз унинг исмини айтиб чақириб:
— Бу ёққа келинг, ўтиринг, биродарим, — деди.
Қариндоши яқин келиб ўтирди. 2 Бўаз шаҳар оқсоқолларидан ўн кишини
гувоҳликка чақириб:
— Шу ерда ўтиринглар! — деди. Улар келиб ўтиришди.
3 Бўаз қариндошига деди:
— Мўаб юртидан қайтиб келган Наима бор–ку, у Элималек акамизнинг
даласини сотмоқчи. 4 Мен шу ерда ўтирганлар ва қавмим оқсоқоллари ҳузурида
ўша далани сотиб оласизми, йўқми, билай дедим. Агар сиз қариндошлик
бурчингизни ўташни хоҳласангиз, майли, сотиб олаверинг. Борди–ю,
хоҳламасангиз, айтинг, мен билайин. Чунки бу бурчни ўташ биринчи навбатда
сизга тушади. Сиздан кейин навбат менiки бўлади.
У киши:
— Қариндошлик бурчимни мен ўтайман, — деди. 5 Бўаз деди:
— Хўп. Лекин сиз Наиманинг даласини харид қилганингизда, дала билан
бирга марҳум Махлўннинг* беваси Мўаблик Рутни ҳам олишингиз керак. Чунки
марҳумнинг номи ўз мулкидан йўқолиб кетмаслиги шарт.
6 Шунда қариндоши Бўазга:
— Ундай бўлса, мен уни ололмайман, акс ҳолда, ўзимнинг мулкимни хавф
остига қўйган бўламан*. Зиммамдаги қариндошлик бурчимни сиз ўтайверинг,
менинг иложим йўқ, — деди.
7 Илгари Исроилда қариндошлик бурчини ўтамоқчи ёки мол–мулкини
алмаштирмоқчи бўлсалар, далил–исбот тариқасида биттаси чориғини ечиб,
иккинчисига берарди. Мана шу одат Исроилда қонуний гувоҳлик ўрнини босарди.
8 Шундай қилиб, қариндоши Бўазга:
— Ўзингиз сотиб олаверинг, — деди–да, чориғини ечиб берди. 9 Шундан кейин
Бўаз оқсоқолларга ва ўша ердаги бошқа одамларга мурожаат қилди:
— Сизлар гувоҳсиз: мен бугун Элималекдан Хилён ва Махлўнга қолган ҳамма
мулкни Наимадан сотиб оляпман. 10 Яна Махлўннинг хотини Мўаблик Рутни ҳам
ўз никоҳимга оляпман, токи марҳумнинг номи ўз мулкида қолсин, биродарлари
орасида ва киндик қони тўкилган юртида номи йўқолиб кетмасин. Бугун сизлар
бунга гувоҳ бўлиб турибсизлар.
11 Шунда шаҳар дарвозаси ёнида турган одамлар ва оқсоқоллар:
— Биз гувоҳмиз, — дедилар. — Эгамиз сенинг хонадонингга келадиган аёлни
Роҳила ва Леахдай қилсин, ана ўша бибилардан Исроил халқи бино бўлган.
Эфратда бойликлар эгаси бўлгин, Байтлаҳмда номинг улуғ бўлгай. 12 Сенинг
хонадонинг Яҳудога Тамара туғиб берган ўғли бобомиз Параз* хонадонидай
баракали бўлсин. Эгамиз мана шу жувон орқали сенга ўшандай буюк насл ато
этсин.

Наимага Эгамиз марҳамат қилади

13 Шундай қилиб, Бўаз Рутга уйланди. Улар турмуш қуриб, бир ёстиққа бош
қўйишди. Эгамизнинг марҳамати билан Рут ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди.
14 Аёллар Наимага айтишди:
— Эгамизга ҳамду санолар бўлсин! У бугун сенга ғамхўрлик қиладиган
невара* берди, меросхўрсиз қолдирмади. Меросхўрингнинг номи Исроилда улуғ
бўлсин. 15 У туфайли ҳаётинг яна шодликка тўлади, қариганингда суянчиғинг
бўлади. Чунки бу ўғилни сени яхши кўрадиган, сен учун ҳатто етти ўғилдан ҳам
аъло бўлган келининг туғди.
16 Наима чақалоқни ўзига олди, бир дам бағридан узмади. Ўзи энагалик қилди.
17 Қўшни аёллар: “Наима учун ўғил туғилди”, деб чақалоққа Обид* исмини
бердилар.

Шоҳ Довуд — Бўаз ва Рутнинг чевараси

Обид Довуднинг падари бузруквори Эссайнинг отаси бўлди. 18 Параздан
Довудгача бўлган авлод–аждод қуйидагича:

Параздан Хазрон бунёд бўлди.
19 Хазрондан Рам бунёд бўлди.
Рамдан Оминадав бунёд бўлди.
20 Оминадавдан Нахшўн бунёд бўлди.
Нахшўндан Салмўн бунёд бўлди.
21 Салмўндан Бўаз бунёд бўлди.
Бўаздан Обид бунёд бўлди.
22 Обиддан Эссай бунёд бўлди.
Эссайдан Довуд бунёд бўлди.

ИЗОҲЛАР

Таврот қонунига мувофиқ — Қонунлар 23:3-4 га қаранг.

1:1 *ҳакамлар* — ўша вақтда Исроилнинг йўлбошчилари ҳакамлар деб аталган. Исроил халқи душманларига қарши уруш очганда, ҳакамлар лашкарбоши сифатида хизмат қиларди. Шунингдек, ҳакамлар қози вазифасини, айрим ҳолларда диний вазифаларни ҳам бажарар эдилар. Ҳакамлар 2:16-19 га қаранг.

1:1 *Мўаб юрти* — Ўлик денгизнинг шарқ томонида жойлашган. Мўаб халқи бутларга сиғинарди. Бу халқ кўпинча Исроил халқининг душмани эди.

1:1 *Байтлаҳм шаҳри* — Қуддусдан қарийб 8 километр жанубда жойлашган.

1:2 *Эфрат* — Байтлаҳм шаҳри атрофидаги ерлар.

1:4 *...Ўрпа...Рут...* — Ўрпа Хилённинг хотини, Рут Махлўннинг хотини эди (4:10 га қаранг).

1:11 *Қорнимда яна ўғилларим бормидики, сизларга умр йўлдоши бўлса?!* — Таврот қонунига кўра, одам фарзанд кўрмасдан вафот этган бўлса, марҳумнинг ака–укаларидан ёки энг яқин уруғларидан бири унинг наслини давом эттириш мақсадида бева қолган хотинни олиши керак эди. Улардан туғилган болалар ўлган одамники ҳисобланган. Шу тариқа марҳумнинг номи давом этаверган (Қонунлар 25:5-10 га қаранг). Махлўн ва Хилённинг ака–укалари бўлмагани сабабли, уларнинг оиласи номини давом эттириш учун деярли имкон йўқ эди.

1:15 *...ўз худоларига...* — ёки *...ўз худосига...*. Хамўш Мўаб халқининг худоси эди (3 Шоҳлар 11:33 га қаранг).

1:17 *Мени сиздан фақат ўлим ажрата олади* — ёки *Ҳатто ўлим ҳам мени сиздан ажрата олмайди*. Бу ибора шундан далолат берадики, ўша даврдаги одатга кўра, Рут Наима билан қолишга, ҳатто Наиманинг оиласи хилхонасига дафн қилинишга рози эди.

1:20 *Наима* — ибронийчадаги маъноси *ёқимли*.

1:20 *Мусибат* — ибронийча матнда *Мара*, маъноси *аччиқ, қийинчилик*.

1:22 *...арпа ўрими бошланган эди* — апрелнинг охири ёки майнинг боши.

2:2 *...бошоқ териб келардим...* — қонунга биноан, йиғим–терим пайтида камбағаллар териб олсинлар деб, ўроқчилар далада бошоқ ташлаб кетишарди (Левилар 19:9-10, Қонунлар 24:19 га қаранг).

2:17 *...бир тоғорадан кўпроқ...* — ибронийча матнда *...тахминан бир эфа...*, тахминан 22 литрга тўғри келади.

2:20 *марҳумлар* — Наима марҳум эри ва ўғилларини назарда тутяпти.

2:20 *...оиламизни ўз паноҳига олишга бурчли одамлардан...* — ибронийча матнда махсус термин бўлиб, унинг сўзма–сўз таржимаси *...қутқарувчиларимиздан...*. Оғир муҳтожликда қолган оила аъзоларига ғамхўрлик қилишга бурчли яқин қариндош. Бундай вазиятда ўша одам Наима ва Рутга ёрдам бериб, ғамхўрлик кўрсатиши, икковининг марҳум эрлари Элималек ва Махлўннинг оиласи номини давом эттиришга ёрдам бериши керак эди (Қонунлар 25:5-10 га қаранг).

2:23 *...арпа ва буғдой ўрими тугагунга қадар...* — июннинг охиригача.

3:2 *бугун кечқурун* — оқшомги шабадада деҳқон донини тўпондан ажратиб тозалаш учун хирмонда ишларди.

3:4 *...оёқ томонини очиб, ўша ерда ёт* — шундай қилиб Рут ўзининг ҳимоячига муҳтож эканлигини билдиряпти. Унинг бу ҳаракати Бўаз билан турмуш қуриш нияти борлигини кўрсатаётган бўлиши мумкин.

3:9 *Чўрингизни паноҳингизга олсангиз...* — ибронийча матнда *Кийимингизнинг этагини устимга ёпиб қўйсангиз...*. Бу ибора никоҳ орқали аёл кишини ҳимоя қилишга ва хавфсизлигини таъминлашга рамзий маънода ишора қилади (Ҳизқиёл 16:8 га қаранг).

3:9 *...оиламизни паноҳингизга олишга бурчли одамсиз...* — ибронийча матнда махсус термин бўлиб, унинг сўзма–сўз таржимаси *...қутқарувчисиз...* (шу бобнинг 12–оятида ҳам бор). 2:20 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

3:15 *олти тоғора* — ибронийча матнда *олти ўлчов*, миқдори номаълум.

4:1 *...шаҳар дарвозаси олдига чиқиб ўтирди* — қадимги пайтларда оқсоқоллар ва обрўли одамлар шаҳар дарвозаси олдида йиғилиб, ҳакамлик вазифасини бажарардилар. У ерда турли масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилардилар.

4:1 *яқин қариндоши* — ибронийча матнда махсус термин бўлиб, унинг сўзма–сўз таржимаси *қутқарувчи* (шу бобнинг 3, 6, 8–оятларида ҳам бор). 2:20 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

4:5 *Махлўн* — Элималекнинг ўғли (1:2-5 га қаранг).

4:6 *...ўзимнинг мулкимни хавф остига қўйган бўламан* — қадимги Исроилдаги қонунга кўра, Рутдан туғилган бола ўша яқин қариндош сотиб олган ерга меросхўр бўлар эди. У одам вафот этгандан кейин эса ўзининг фарзандлари ўша сотиб олинган ерга қонуний жиҳатдан эгалик қила олмас эдилар. Уларнинг бунга ҳуқуқлари ҳам бўлмас эди. Яна 2:20 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

4:12 *...бобомиз Параз...* — Яҳудонинг ўғилларидан бири, у Бўазнинг ҳамда Байтлаҳмда яшаган кўпчиликнинг бобокалони эди. Тамара марҳум эрининг номини давом эттириш учун Паразни дунёга келтирган эди (Ибтидо 38:1-30 га қаранг).

4:14 *ғамхўрлик қиладиган невара* — ибронийча матнда махсус термин бўлиб, унинг сўзма–сўз таржимаси *қутқарувчи*. Оғир муҳтожликда қолган оила аъзоларига ғамхўрлик қилиши учун назарда тутилган яқин қариндош. Невара Наима ва Рутнинг марҳум эрлари Элималек билан Махлўннинг оиласи номини давом эттириши, улғайганда Наима ва Рутга суянчиқ бўлиши керак эди.

4:17 *Обид* — ибронийчадаги маъноси *хизматкор, қул*.

ШОҲЛАР
(БИРИНЧИ КИТОБ)

Кириш

“Шоҳлар (биринчи китоб)”да Исроил юртида тузумнинг ўзгариши, яъни халққа энди олдингидек ҳакамлар эмас, балки шоҳ ҳукмронлик қилиши билан боғлиқ бўлган воқеалар баён қилинади. Халқнинг сўнгги ҳаками Шомуил пайғамбар, Исроилнинг биринчи шоҳи Шоул ва Худо танлаган навбатдаги шоҳ Довуд китобнинг бош қаҳрамонларидир.

“Шоҳлар (биринчи китоб)” ва “Шоҳлар (иккинчи китоб)”нинг асл нусхаси битта ибронийча китоб бўлиб, иккала қисмини битта ўрамга жойлаш узунлик қилгани учун, китоб икки қисмга — “Шоҳлар (биринчи китоб)” ва “Шоҳлар (иккинчи китоб)”га бўлинган.

“Шоҳлар (биринчи китоб)”нинг илк қисмида (1-7–боблар) Шомуил пайғамбарнинг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинади. Шомуил Исроилга ҳужум қилаётган ғанимларга қарши жангда Исроил лашкарига ёрдам беради. Лекин Шомуил кексайгач, лашкарга шоҳ йўлбошчилик қилсин деб, халқ Худодан бир шоҳ сўрашга қарор қилиб, Худони ранжитади. Чунки шу пайтгача Худонинг Ўзи Исроил халқининг Шоҳи эди. Халқ Худодан бир шоҳ сўраганда эса, Исроил тахтига инсон ўтиради. Шунга қарамай, Худо тахтга ўтқазган инсонни воситачи сифатида ишлатиб, Ўзи халқнинг ҳақиқий Шоҳи бўлиб қолаверади.

Китобнинг иккинчи қисмида (8-15–боблар) Худо Шомуилга Шоулни Исроилнинг биринчи шоҳи қилиб тайинлаш тўғрисида амр беради. Шоул ва унинг тўнғич ўғли Йўнатан Оммон ҳамда Филист халқларига қарши олиб борган кўп жангларда ғолиб чиқадилар, лекин Шоул Худога чин дилдан итоат этмайди. Шоулнинг итоатсизлиги оқибатида Худо уни шоҳ сифатида рад этиб, унинг наслини Исроил тахтидан маҳрум қилади.

Китобнинг учинчи қисмида (16-31–боблар) Худо Шомуилга Довуд исмли ёш йигитни навбатдаги шоҳ қилиб тайинлаш тўғрисида амр беради. Китобда яна Довуд баҳайбат Филист жангчиси Гўлиётни ўлдиргандан кейин тез орада миллий қаҳрамон бўлиб кетгани тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади. Довуд тобора обрў–эътибор орттириб бораверади. Шоул эса Довуддан шубҳаланади. Гарчи Довуд Шоулнинг қизи Михалга уйланган ва Шоулнинг тўнғич ўғли Йўнатан билан қадрдон дўст бўлса ҳам, Шоул Довудни ўлдириш пайига тушади. “Шоҳлар (биринчи китоб)”нинг қолган қисмида Довуднинг Шоулдан қочиб қутулгани ва саҳрода ўзининг кичик лашкарига йўлбошчи бўлгани тўғрисида ҳикоя қилинади.

Китоб Шоул ва унинг уч ўғли Филист лашкари билан бўлган жангда ҳалок бўлгани тўғрисидаги аянчли воқеалар билан тугайди. Танланган шоҳнинг муваффақияти ёки мағлубияти Худога бўлган итоаткорлигига бевосита боғлиқ, деган ғоя китобда яққол сезилиб туради.

1–БОБ

Элқана ва унинг Шилўдаги оиласи

1 Эфрайим қирларида жойлашган Рама* шаҳрида бир одам яшарди. Унинг исми Элқана бўлиб, Эфрайим қабиласининг Зуф уруғидан бўлган Ерохам деганнинг ўғли эди. Ерохам — Элихунинг ўғли, Элиху — Тўхунинг ўғли, Тўху —

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Эфрайим қабиласига мансуб бўлган Зуфнинг ўғли эди. 2 Элқананинг Ханна ва
Панинна исмли икки хотини бўлиб, Панинnанинг болалари бор эди–ю, Ханна
бефарзанд эди.
3 Элқана ҳар йили Сарвари Оламга сажда қилиб, қурбонлик келтирмоқ учун ўз
шаҳридан Шилўга* борарди. Шилўда Элах деган одамнинг Хўфнах ва Финхаз
деган икки ўғли бўлиб, улар Эгамизнинг руҳонийлари эдилар.
4 Элқана қурбонлик қилган куни хотини Панинnага, ўғиллари билан
қизларига бир улушдан* берса, 5 Ханнага эса яхши жойидан бир улуш берарди*.
Чунки Эгамиз Ханнани бепушт қилиб қўйган бўлса ҳам, Элқана уни яхши кўрарди.
6 Ханнани Эгамиз бефарзанд қилиб қўйгани учун, кундоши Панинна Ханнага
қаттиқ озор бериб хафа қиларди. 7 Ҳар йили Ханна Эгамизнинг уйига* борганда
ҳам шу воқеа юз берарди: Ханнани кундоши хафа қилар, у эса йиғлаб ҳеч нарса
емасди. 8 Эри Элқана эса:
— Ханна, нега йиғлаяпсан, нимага овқат емаяпсан? — дерди. — Нимага бу
қадар ғамгинсан? Сен учун мен ўнта ўғилдан ҳам афзал эмасманми?!

Ханна ва руҳоний Элах

9 Бир куни улар Шилўда еб–ичиб бўлганларидан кейин, Ханна ўрнидан турди.
Руҳоний Элах Эгамизнинг уйи эшиги ёнидаги курсида ўтирган эди. 10 Ханна дили
хуфтон, аччиқ–аччиқ йиғлаб, Эгамизга ибодат қилиб, 11 шундай ваъда берди:
— Эй Сарвари Олам! Шу чўрингнинг қайғусига назар солиб, уни ёдга олсанг,
чўрингни унутмай, унга бир ўғил ато этсанг, ўша ўғлимни умрбод Сенга назр
қилган бўлардим*, унинг бошига устара тегмасди.
12 Ханна Эгамиз ҳузурида узоқ вақт ибодат қилди. Элах эса унинг оғзига қараб
турарди. 13 Ханна ичида гапирар, овози эшитилмас, фақат лаблари қимирларди.
Шунинг учун Элах Ханнани маст бўлса керак, деб ўйлади:
14 — Қачонгача сархуш бўлиб юрасан?! Энди шаробдан воз кеч! — деди.
15 — Йўқ, ундай эмас, ҳазратим, — деди Ханна. — Мен кўнгли ғамга тўла бир
аёлман. На шароб ичганман, на бўза. Фақат юрагимдагини Эгамга тўкиб
соляпман. 16 Бу чўрингизни аллақандай ярамас хотин деб ўйламанг.
Ғам–қайғуларим кўплигидан, шу пайтгача ибодат қиляпман.
17 — Эсон–омон бор, — деди Элах. — Исроил халқининг Худоси тилагингни
бажо келтирсин.
18 — Мен, чўрингизни илтифотингизга сазовор билинг, — деди Ханна. Сўнг
бориб овқат еди, энди чеҳраси ғамгин эмас эди.

Шомуил туғилади ва Худога бағишланади

19 Эртасига Элқана оиласи билан тонг саҳарда туриб, Эгамизга сажда қилишди.
Кейин Рамага — уйларига қайтиб келишди. Элқана хотини Ханна билан қовушди.
Эгамиз Ханнага марҳамат қилди. 20 Ханна ҳомиладор бўлди ва вақт–соати етиб
ўғил туғди. “Уни Эгамиздан тилаб олдим”, деб отини Шомуил* қўйди.
21 Элқана Эгамизга атаб йиллик қурбонлик маросимини ўтказиш ва ваъдасини
адо этиш учун оиласи билан бирга Шилўга борди. 22 Ханна бу сафар бормади. У
эрига:
— Гўдак кўкракдан чиққандан кейин* олиб бораман, у Эгамизнинг ҳузурида
бўлиб, Унга хизмат қилади, умр бўйи ўша ерда қолади, — деди.
23 — Сенга нима маъқул бўлса, шундай қилавер, — деди Элқана. — Гўдак
кўкракдан чиққунча шу ерда бўл. Эгамиз Ўз ваъдасини бажо қилсин*.
Ханна уйда қолиб, ўғли кўкракдан чиққунча, уни эмизди. 24 Кичкинтой
кўкракдан чиқди. Сўнг Ханна уч ёшли буқа*, бир тоғора* ун ва бир меш шароб

олиб, ўғлини Эгамизнинг Шилўдаги уйига олиб келди. Бола ҳали ёш эди.
25 Буқани сўйишгандан кейин, болани Элахнинг олдига олиб келишди.
26 — Эй ҳазрат, мени эслайсизми? — деди Ханна. — Шу ерда, ҳузурингизда
туриб Эгамга ибодат қилган ўша аёл менман. 27 Мен мана шу бола учун Эгамга
илтижо қилган эдим, Эгам тилагимни бажо қилди. 28 Шунинг учун уни Эгамга
бағишладим, умр бўйи Унга аталган бўлсин, дедим.
Улар* шу ерда Эгамизга сажда қилдилар.

2–БОБ

Ханнанинг ибодати

1 Ханна шундай ибодат қилди:

“Эгам туфайли кўнглим тоғдай кўтарилди,
Қувватимни оширган Ўшадир.
Душманларим олдида мақтанарман,
Нажот берганинг учун севинарман.

2 Эгам — танҳо ва Муқаддас Худо,
Ҳа, Сендан бошқаси йўқ, эй Эгам.
Худойимиздай қоя йўқдир.

3 Ортиқ манманликка берилманг оғиз кўпиртириб,
Оғзингиздан кибрли сўзлар чиқмасин.
У ҳаммасини биладиган Худодир,
У одамларнинг хатти–ҳаракатини ҳукм қилади.

4 Кучлиларнинг ёйлари синиб кетади,
Ожизлар қувват камарини боғлайди.
5 Тўқ бўлганлар луқма нон учун мардикордирлар,
Оч бўлганлар эса энди тўқдирлар.
Бефарзанд аёл етти бола туғар,
Серфарзанд аёл эса кимсасиз қолар.
6 Жонни оладиган ҳам Эгамиздир,
Жонни ато қиладиган ҳам Эгамиздир.
Ўликлар диёрига* У туширар ва
Яна қайта олиб ҳам чиқар.
7 У кимнидир йўқсил, кимнидир бой қилар,
Кимнидир ерга урар, кимнидир юксалтирар.
8 Бечораҳолларни У тупроқдан кўтарар,
Фақирларни ахлатдан олиб чиқиб юксалтирар.
Уларга шаҳзодалар ёнидан жой берар,
Шуҳрат тахтини мерос қилиб берар.
Чунки Эгамникидир замин устунлари*,
Устунларнинг устига қўйгандир У оламни.
9 Содиқ бандаларини У ҳимоя қилар,
Фосиқлар эса зулматда сўниб қолар.
Зеро, куч ила зафарга етишмас инсон.

10 Эгамизга қарши турганлар парча–парча бўлажак,

Худойи Таоло уларга қарши осмонни гумбурлатажак.
Бутун оламни Эгамиз ҳукм қилажак,
Ўзи мой суртиб танлаган шоҳига куч ато этиб,
Унинг қувватини оширажак.”

11 Шундан кейин Элқана оиласи билан Рамага — уйига жўнади. Кичкина Шомуил эса руҳоний Элахнинг ҳузурида қолди ва Эгамизга хизмат қила бошлади.

Элахнинг ярамас ўғиллари

12 Элахнинг ўғиллари ярамас йигитлар эди. Улар Эгамизни ҳурмат қилмас, 13 халқ олдидаги ўз руҳонийлик бурчларини менсимасдилар. Бирортаси келиб қурбонлик сўйиб, гўштини қайнатаётганда, Элах ўғилларининг хизматкори уч тишли санчқи билан келарди. 14 Хизматкор санчқини қозонга ёки товага тиқарди. Санчқига илинганини Элахнинг ўғилларига олиб борарди. Улар Шилўга келган Исроил халқининг ҳаммасига шундай муносабатда бўлишарди. 15 Ҳатто қурбонликнинг ёғини куйдирмасдан олдин*, руҳонийнинг хизматкори келиб, қурбонлик қилаётган одамга шундай дерди:

— Руҳонийга қовуриш учун гўшт бер! У сендан қайнатилганидан эмас, хомидан қабул қилади.

16 Қурбонлик қилаётган одам:

— Олдин Эгамизга атаб қурбонликнинг ёғини куйдириб олай, кейин хоҳлаганингча олавер, — дейдиган бўлса, хизматкор:

— Йўқ, ҳозир берасан, йўқса зўрлик билан тортиб оламан, — деб жавоб берарди.

17 Элах ўғилларининг бу гуноҳи Эгамиз олдида жуда оғир эди, чунки улар Эгамизга аталган назр–ниёзларга шундай ҳурматсизлик қилишарди.

Ёш Шомуил Шилўда

18 Ёш Шомуил эса шу пайтда руҳонийларнинг муқаддас либосини* кийиб, Эгамиз ҳузурида хизмат қилиб юрарди. 19 Ҳар йилги қурбонликни адо этиш учун онаси билан отаси бу ерга келишар, онаси ўзи тиккан кийимни* ўғлига олиб келарди. 20 Руҳоний Элах эса Элқана билан унинг хотинини дуо қилиб, Элқанага: “Худодан тилаб олиб, Унга бағишлаган фарзандингнинг ўрнига Эгамиз сенга шу хотиндан яна фарзандлар берсин”, деб айтарди. Шундан кейин улар уйларига кетишарди.

21 Эгамиз Ханнага ғамхўрлик қилди. У ҳомиладор бўлиб, яна уч ўғил, икки қиз туғди. Ёш Шомуил эса Эгамизнинг ҳузурида ўсиб–улғайди.

Элах ва унинг ўғиллари

22 Элах жуда кексайиб қолган эди. У ўғилларининг жамики Исроил халқига ёмон муносабатда бўлишаётганини, Учрашув чодирига* кираверишда хизмат қиладиган аёллар* билан зино қилишаётганини эшитиб турарди. 23 Элах ўғилларига дерди:

— Нимага бундай қиляпсизлар? Қилаётган қабиҳ ишларингиз ҳамманинг оғзида. 24 Бундай қилманглар, ўғилларим! Эгамизнинг халқи орасида ёйилган гап–сўзлар яхши эмас. 25 Одам одамга қарши гуноҳ қилса, Худо воситачилик қилади. Аммо одам Эгамизга қарши гуноҳ қилса, ўртада ким воситачилик қила олади?!

Бироқ ўғиллари оталарининг гапини қулоқларига олмасдилар. Шунинг учун Эгамиз уларни ўлдиришга қарор қилиб қўйган эди.

26 Ёш Шомуил эса улғайиб, Эгамизнинг ва халқнинг олқишига сазовор

бўлаётган эди.

Элах хонадони ҳақида башорат

27 Бир куни Элахнинг олдига бир пайғамбар келиб, шундай деди:

— Эгамиз сенга айтмоқда: “Исроил халқи Миср юртида фиръавнга қул бўлиб
юрганда, Ўзимни ота–боболарингга зоҳир қилдим–ку! 28 Бобонг Ҳорун Менинг
қурбонгоҳимга чиқсин, қурбонлик куйдириб, олдимда эфодни кийиб юрсин деб,
жамики Исроил қабилалари орасидан Мен уни Ўзимга руҳоний қилиб танлаб
олган эдим. Бунинг устига, Ҳорун авлодининг улуши бўлсин деб, ҳамма
куйдириладиган қурбонликлардан ҳам бердим. 29 Шундай бўлгач, Мен буюрган
қурбонлик ва назрларни нимага писанд қилмаяпсизлар?! Нимага халқим Исроил
берган ҳамма назрлардан энг яхши улушларни олиб ўзингиз еб семиряпсизлар?!
Нимага ўғилларингни Мендан ортиқ кўряпсан?!

30 Шунинг учун Мен, Исроил халқининг Худоси — Эгангиз, айтаманки,
авлодинг ва отангнинг авлоди Менга абадий хизмат қиладилар, деб айтган
бўлсам ҳам, энди бундай бўлмайди! Мени иззат қилганни Мен ҳам иззат қиламан,
Мени хор қилган эса шарманда бўлар. 31 Шундай кунлар яқинлашмоқда: Мен
сенинг ва отангнинг хонадонини йўқотаман. Натижада хонадонингдаги ҳамма
кимса ажалидан беш кун бурун ўлади. 32 Мен Исроил халқи устига ёғдирадиган
роҳат–фароғатни сен кўриб, кулфат ичра уларга ҳасад қиласан. Сенинг
хонадонингдан ҳеч ким узоқ умр кўрмайди. 33 Хонадонингдан фақат биттасини
йўқ қилмасдан асраб қоламан. Лекин унинг кўзлари ёшга, юраги ғам–ғуссага
тўлади. Бутун хонадонинг аҳли жувонмарг кетади. 34 Иккала ўғлинг — Хўфнах
билан Финхазнинг бошига тушадиган кўргилик сенга бир аломат бўлсин: иккови
ҳам бир кунда нобуд бўлади.

35 Менинг хоҳиш–иродамни амалга оширадиган садоқатли бир руҳонийни
Ўзим учун тайин этаман, у кўнглимдагидай хизмат қилади. Унинг авлодини
боқий қиламан, Мен мой суртиб танлаган шоҳ олдида у умр бўйи хизмат қилади.
36 Хонадонингда тирик қолган ҳар бир одам қора чақага ва бир бурда нонга зор
бўлиб унинг олдига келади, ўтинаман, менга бирор руҳонийлик вазифасини бер,
тирикчилигимни ўтказиб турай, деб ёлвориб таъзим қилади.”

3–БОБ

Худо Шомуилга садо беради

1 Ўспирин Шомуил Элахнинг қўли остида Эгамизга хизмат қилиб юрарди. Ўша
пайтлари Эгамизнинг каломи кам келар, ваҳий ҳам аҳён–аҳёнда бўларди.

2 Элахнинг кўзлари хиралашиб, кўрмайдиган бўлиб қолган эди. Бир куни кеч
кирганда Элах ётоғида ётарди. 3 Шомуил эса Эгамизнинг Маъбадида* ётган эди,
Худонинг Сандиғи ҳам ўша ерда эди. Худонинг чироғи* ҳали ҳам ёниб турарди.
4 Шу пайт Эгамиз Шомуилни чақириб қолди. Шомуил:

— Лаббай, ҳазратим! — деб овоз берди ва 5 Элахнинг олдига югуриб келиб:

— Мени чақирган эдингиз, шу ердаман, — деди.

— Йўқ, сени мен чақирмадим, қайт, бориб жойингга ёт, — деди Элах. Шомуил
қайтиб бориб ётди. 6 Эгамиз яна:

— Шомуил! — деб чақирди. Шомуил яна туриб, Элахнинг олдига кирди ва:

— Мени чақирган эдингиз, шу ердаман! — деди.

— Чақирганим йўқ, ўғлим, қайт, бориб жойингга ёт, — деди у.

7 Шомуил Эгамизни ҳали танимас, Эгамизнинг каломи ҳали унга аён бўлмаган
эди. 8 Эгамиз учинчи марта Шомуилга садо берди. Шомуил ўрнидан туриб

Элахнинг олдига келди–да:

— Мени яна чақирдингиз–ку, мен шу ердаман, — деди. Шунда Элах билдики, ўспиринни Эгамиз чақираётган экан. 9 Элах Шомуилга деди:

— Бориб жойингга ёт, ўша овоз сени яна чақириб қолса, “Гапиравер, эй Эгам, қулинг тинглаётир”, дегин.

Шомуил бориб, жойига ётди. 10 Эгамиз ўша ерда зоҳир бўлди ва олдингидай:

— Шомуил, Шомуил! — деб чақирди.

— Гапиравер, эй Эгам! Қулинг тинглаётир! — деб жавоб берди Шомуил.

11 Эгамиз деди:

— Шомуил! Мен Исроилда шундай бир иш қилмоқчиманки, эшитганнинг бошидан ҳуши учади. 12 Ўша куни Мен Элахнинг хонадони тўғрисида нима айтган бўлсам, ҳаммасини бажо қиламан, бошлаган ишимни охирига етказаман.

13 Элахга, сенинг хонадонингни то абад жазолайман, деб уни огоҳлантирган эдим. Унинг ўғиллари кўп гуноҳ қилиб, ўзларига лаънат орттирдилар. Элах эса буни била туриб, уларни тергамади. 14 Шу сабабдан онт ичиб айтаманки, Элах хонадонининг бу гуноҳларини асло кечирмайман. Уларнинг қилган гуноҳларини то абад қурбонлигу назр қилиш билан ювиб бўлмайди.

15 Шомуил эрталабгача ўрнида ётди. Кейин туриб, Эгамизнинг уйи* эшикларини очди. Ўша ваҳийни Элахга айтишдан қўрқди. 16 Шу пайт Элах:

— Шомуил, ўғлим! — деб чақирди.

— Лаббай, шу ердаман, — деб Шомуил Элахга яқин келди.

17 — Эгамиз сенга нималар деди? — сўради Элах. — Зинҳор мендан яшира кўрма. Эгамизнинг сенга айтган гапларидан бирортасини мендан яширсанг, Худо сени ёмон кўйга солсин, ҳатто ундан баттарроғини қилсин!

18 Шомуил Элахдан ҳеч нарсани яширмай айтиб берди.

— У Эгамиздир, — деди Элах, — Унга нима маъқул бўлса, ўшани бажо қилади.

19 Шомуил улғаяверди, Эгамиз доимо у билан бирга бўлди, Шомуил башорат қилган ҳамма нарсани Эгамиз рўёбга чиқарди. 20 Дандан Бершебагача бўлган жамики Исроил халқи Шомуил ҳақиқатан ҳам Эгамизнинг пайғамбари эканлигини билди. 21 Эгамиз Шилўда яна такрор–такрор зоҳир бўлиб, ўша ерда Ўз каломи орқали Шомуилга аён бўларди.

4–БОБ

1 Бутун Исроилда Шомуилнинг сўзи вожиб эди.

Муқаддас Аҳд сандиғи қўлдан кетади

Шу орада* Филистлар уруш бошлаган эди, Исроил лашкари уларга қарши отланди. Исроил лашкари Эванзор деган жойда, Филистлар эса Офоқ шаҳрида* қароргоҳ қурдилар. 2 Филистлар Исроил лашкарига қарши саф тортдилар. Жанг бошланди, Филистлар Исроил лашкарини мағлуб қилдилар. Жанг майдонида тўрт мингга яқин Исроил сипоҳлари нобуд бўлди. 3 Лашкар қароргоҳга қайтгач, Исроил оқсоқоллари шундай дедилар:

— Нима учун бугун Эгамиз бизни Филистларга мағлуб қилиб берди? Эгамизнинг Аҳд сандиғини Шилўдан бу ерга олиб келайлик. Аҳд сандиғи бизнинг орамизда борсин, токи бизни ғанимларимизнинг қўлидан қутқарсин.

4 Оқсоқоллар икки каруб* орасида тахт қурган Сарвари Оламнинг Аҳд сандиғини Шилўдан олиб келиш учун одамларни юбордилар. Элахнинг иккала ўғли — Хўфнах билан Финхаз ҳам Худонинг Аҳд сандиғини жанг бўлаётган жойга олиб келиш учун ёрдамлашдилар. 5 Эгамизнинг Аҳд сандиғини қароргоҳга олиб

келишганда, ҳамма Исроил халқи шундай баланд овоз билан бақиришдики, ҳатто ер турган жойидан қўзғалиб кетди. 6 Филистлар шовқин–суронни эшитиб:

— Ибронийлар қароргоҳида нега бунчалик қаттиқ бақир–чақир бўляпти экан? — дейишди. Кейин Эгамизнинг Сандиғини қароргоҳга олиб келганларини билиб, 7 қўрқиб кетишди:

— Худолари қароргоҳга келибди, энди шўримиз қурийди! Бунақасини ҳеч қачон эшитмагандик! 8 Оҳ, шўримиз қурсин! Бундай қудратли худоларнинг* қўлидан ким бизни халос қилади? Саҳрода Мисрликларни ҳар балога гирифтор қилган худолар ўшалар–ку! 9 Дадил бўлинг, эй Филистлар! Мард бўлинглар! Акс ҳолда, ибронийлар сизларга қандай бўйсунган бўлсалар, сизлар ҳам уларга шундай бўйсуниб қоласизлар. Шунинг учун мардона курашиб, жанг қилинглар!

10 Шундан сўнг Филистлар қаттиқ ҳужум қилиб, Исроил лашкарини мағлуб этдилар. Исроил лашкарининг бари уйларига қочиб қолди. Исроил лашкари шунчалик катта талафот кўрдики, улар ўттиз минг пиёда сипоҳидан айрилди. 11 Худонинг Сандиғи ҳам қўлдан кетди, Элахнинг иккала ўғли — Хўфнах билан Финхаз эса ҳалок бўлди.

Элахнинг ўлими

12 Бениминлик бир одам жанг майдонидан қочиб, ўша куниёқ Шилўга* етиб келди. У қайғудан кийимларини йиртган, бошига тупроқ сочган эди. 13 Ўша одам Шилўга етиб келганда, Элах Худонинг Сандиғига бирор нарса бўлишидан хавотирланиб, йўл ёқасида курсида кутиб ўтирган эди. Ҳалиги одам шаҳарга кириб, бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берган эди, бутун шаҳар аҳли дод–фарёд кўтарди. 14 Элах шовқин–суронни эшитиб:

— Нимага бунчалик шовқин? — деб сўради. Ўша одам, бўлган воқеадан Элахни хабардор қилиб қўяй деб, дарров унинг ёнига келди. 15 Ўша пайтда Элах тўқсон саккиз ёшда бўлиб, кўзлари хиралашган, яхши кўра олмасди. 16 Ҳалиги киши Элахга:

— Мен жанг майдонидан келяпман, у ердан бугун қочиб келдим, — деди.

— Нима бўлди, ўғлим? — деб сўради Элах. 17 Хабар келтирган одам шундай деди:

— Исроил лашкари Филистларнинг олдига тушиб қочди. Лашкар катта талафот кўрди. Иккала ўғлингиз — Хўфнах билан Финхаз ҳам ҳалок бўлди. Худонинг Сандиғи эса қўлдан кетди.

18 Элах ҳали ҳам дарвоза ёнидаги курсида ўтирган эди. Хабарчи, Худонинг Сандиғини Филистлар тортиб олди, деб айтиши билан Элах курсидан орқаси билан йиқилди. Кексалиги ва семизлигидан бўйни синиб, ўша заҳоти жон берди. У Исроилда қирқ йил ҳакамлик қилган эди.

Финхазнинг хотини вафот этади

19 Элахнинг келини — Финхазнинг хотини ҳомиладор бўлиб, яқин орада кўзи ёриши керак эди. “Худонинг Сандиғи қўлдан кетди, қайнатанг ва эринг ўлди” деган хабарни эшитиши биланоқ уни тўлғоқ тутиб қолди. У ерга чўнқайиб ўтириб, туғиб қўйди. 20 Доя хотинлар унга ўлими олдидан:

— Қўрқма, ўғил туғдинг, — дедилар. Лекин у эътибор бермади, бирор сўз ҳам айтмади. 21 Худонинг Сандиғи қўлдан кетгани учун, қайнатаси билан эри ўлгани учун у:

— Исроилдан улуғворлик кетди, — дея чақалоққа Ихабод* деб исм қўйди.

22 Кейин у яна:

— Худонинг Сандиғи қўлдан кетди, Исроилдан улуғворлик кетди, — деди.

5–БОБ

Аҳд сандиғи Ашдод ва Эхронга сурилади

1 Филистлар Худонинг Сандиғини қўлга киритганларидан кейин, уни
Эванзордан Ашдод шаҳрига* олиб кетишди. 2 Уни Филистларнинг худоси Дўғон
уйига олиб бориб, Дўғон ҳайкали ёнига жойлаштиришди. 3 Ашдодликлар эртасига
саҳарда туриб қарашса, Дўғон Эгамизнинг Сандиғи олдида юзи билан ерга
ағдарилиб ётган экан. Шунда Дўғонни кўтариб, жойига турғизиб қўйишди.
4 Эртасига яна саҳарда туриб қарашса, Дўғон Эгамизнинг Сандиғи олдида юзи
билан ерга ағнаб ётган экан. Бу сафар Дўғоннинг боши билан иккала қўли синиб,
остонада ётган, фақат гавдаси бутун қолган экан, холос. 5 Шунинг учун Дўғон
руҳонийлари ва Дўғон уйига келиб сажда қилувчиларнинг бирортаси бугунгача*
Ашдоддаги бу жойнинг остонасини босмайди, улар остонани ҳатлаб, ичкарига
киришади.
6 Эгамиз Ашдод аҳолисини ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисини қаттиқ
жазолади. Уларни чипқонга гирифтор қилиб, катта кулфат келтирди.
7 Ашдодликлар бўлиб турган воқеаларни кўргач:
— Исроил Худосининг Сандиғи энди биз билан қолмасин, чунки у ўзимизга
ҳам, худойимиз Дўғонга ҳам оғир кулфат келтирди, — дейишди. 8 Сўнгра
хабарчилар жўнатиб, ҳамма Филист бекларини чақиртириб келишди:
— Исроил Худосининг Сандиғини нима қиламиз? — деб сўрашди
Ашдодликлар.
— Исроил Худосининг Сандиғи Гатга юборилсин, — дейишди Филист беклари.
Шундай қилиб, Исроил Худосининг Сандиғи Гат шаҳрига жўнатиб юборилди.
9 Аммо Сандиқ у ерга келтирилгандан кейин, Эгамиз ўша шаҳарга ҳам бало–қазо
келтирди. Шаҳарни қаттиқ ваҳима босди. Эгамиз бутун шаҳар аҳолисини, каттаю
кичикни яна чипқонга мубтало қилди. 10 Шундан кейин Исроил Худосининг
Сандиғини Эхрон шаҳрига жўнатишди.
Худонинг Сандиғи Эхронга кирар–кирмас, Эхронликлар:
— Ўзимизни ва халқимизни қириб ташлагани Исроил Худосининг Сандиғини
бизга олиб келишди! — деб шовқин солдилар. 11 Хабарчилар жўнатиб,
Филистларнинг ҳамма бекларини тўплаб, шундай дедилар:
— Исроил Худосининг Сандиғини келган жойига қайтариб юборинглар, тағин
ўзимиз ҳам, халқимиз ҳам қирилиб кетмайлик.
Шаҳарнинг ҳар тарафида ўлим ваҳимаси ҳукм сурарди. Худо уларга оғир жазо
юборган эди. 12 Омон қолганларнинг ҳаммасига эса чипқон чиқди. Шаҳар
аҳлининг оҳу фиғони кўкларга ўрлади.

6–БОБ

Аҳд сандиғи Исроилга қайтиб келади

1 Эгамизнинг Сандиғи Филистлар ҳудудида етти ой қолиб кетди. 2 Филистлар
ўзларининг руҳонийлари ва фолбинларини чақириб:
— Исроил Худосининг Сандиғини нима қиламиз, уни ўз ерига қандай
қайтарамиз? Бизга ўргатинг, — дейишди. 3 Руҳонийлар билан фолбинлар шундай
жавоб бердилар:
— Сандиқни орқага қайтарадиган бўлсангизлар, бўш қайтарманглар. Исроил
халқининг Худосига албатта айбингизни ювадиган назр атанглар. Ўшанда шифо
топиб, Худо нима учун сизларни жазолаётганини билиб оласизлар.

4 — Айбимизни ювиш учун Унга нимани назр қиламиз? — деб сўрашди
Филистлар. Руҳонийлар ва фолбинлар шундай жавоб беришди:
— Айбингизни ювадиган назр, Филист бекларининг миқдорича — олтиндан
қилинган бешта чипқон ва бешта сичқон бўлсин. Чунки бало–қазо сизларнинг
ҳаммангиз учун ҳам, бекларингиз учун ҳам баравардир. 5 Шунинг учун
чипқонларнинг ва мамлакатга қирғин келтирган сичқонларнинг ҳайкалчаларини
ясанг, шу тариқа Исроил халқининг Худосини шарафланг. Балки ана шунда
ўзларингизга, худоларингизга ва юртингизга келган бало–қазони У енгиллатар.
6 Нимага Мисрликларга ва фиръавнга ўхшаб ўжарлик қиласизлар? Эсингизда
йўқми, Исроил халқининг Худоси Мисрликларни роса эзгандан кейингина, улар
Исроил халқини ўз йўлига қўйиб юбордилар–ку! 7 Энди битта янги арава билан
ҳали ҳеч бўйинтуруқ солинмаган иккита соғин сигир ҳозирланглар. Сигирларни
аравага қўшинглар, бузоқларини эса сигирлардан айириб, оғилхонага олиб
боринглар. 8 Сандиқни аравага юкланглар, айбларингизни ювадиган назрларни
— Исроил халқининг Худосига атаб ясалган олтин ҳайкалчаларни бир қутига
жойлаштиринглар. Ўша қутини Сандиқнинг ёнига қўйинглар. Кейин аравани
қўйиб юборинглар, ўз йўлига кетсин. 9 Араванинг орқасидан кузатиб боринглар.
Агар сигирлар бизнинг юртимиз чегарасидан ўтиб, Байт–Шамаш шаҳрига*
борадиган йўлдан кетса, демак, бошимизга бундай катта кулфатни солган Исроил
халқининг Худосидир. Агарда шундай бўлмаса, бу кулфат бизга Ундан
келмаганини, балки бир тасодиф бўлганини билиб оламиз.
10 Одамлар айтилгандай қилишди. Икки соғин сигир келтириб, аравага
қўшишди, бузоқларни эса оғилхонага қамаб қўйишди. 11 Эгамизнинг Сандиғини,
шунингдек, ичига олтин сичқонлар ва чипқонларнинг ҳайкалчалари солинган
қутини аравага юклашди. 12 Сигирлар тўппа–тўғри Байт–Шамаш йўлидан кетди.
Ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилмай, бўкирганича, катта йўл бўйлаб илгарилаб
кетаверди. Филист беклари аравани Байт–Шамаш чегарасигача кузатиб боришди.
13 Ўша пайтда Байт–Шамаш аҳолиси водийда буғдой ўраётган эди*. Улар
Сандиқни кўриб, севиниб кетишди. 14-15 Арава Байт–Шамашлик Ёшуанинг
даласига етиб келиб, тўхтаб қолди. Ўша ерда катта бир тош бор эди. Левилар
Эгамизнинг Сандиғини ва ёнидаги олтин ҳайкалчалар жойланган қутини
аравадан тушириб, ўша катта тошнинг устига қўйишди. Байт–Шамаш аҳолиси
араванинг ёғочларини ўтин қилиб ёрди. Сигирларни эса Эгамизга
куйдириладиган қурбонлик қилишди. Ўша куни Байт–Шамаш аҳолиси Эгамизга
куйдириладиган қурбонликлар ва бошқа қурбонликлар келтирди.
16 Бешала Филист беклари бўлиб ўтган воқеаларни ўз кўзлари билан кўриб, шу
куни Эхронга қайтиб кетдилар. 17 Филистлар айблари учун Эгамизга назр қилиб
бешта олтин чипқон ҳайкалчасини жўнатган эдилар. Ҳадялар Ашдод, Ғазо,
Ашқалон, Гат ва Эхрон шаҳарларининг ҳокимларидан эди. 18 Бешта олтин сичқон
бешта ҳукмдор бошқарган Филистлар шаҳарларининг ва уларнинг атрофидаги
қишлоқларнинг рамзи эди. Байт–Шамашлик Ёшуанинг даласидаги Эгамизнинг
Сандиғи қўйилган катта тош шу кунгача* бунга гувоҳ бўлиб турибди.
19 Байт–Шамашлик етмиш киши* Эгамизнинг Сандиғи ичига қараган эди, Худо
уларни йўқ қилди. Эгамиз халқнинг бошига оғир кулфат келтиргани учун,
Байт–Шамашликлар мотам тутдилар.

Аҳд сандиғи Хират–Йўримда

20 Байт–Шамаш аҳолиси шундай деди:
— Эгамиз олдида — бу Муқаддас Худо олдида ким бардош беришга қодир
экан?! Унинг Сандиғини ўзимизнинг олдимиздан қаёққа жўнатсак экан?

21 Ниҳоят, улар Хират–Йўрим* аҳолисига хабарчи жўнатиб: “Филистлар
Эгамизнинг Сандиғини қайтаришди, келинглар, уни ўз шаҳрингизга олиб
кетинглар” деган гапни етказишди.

7–БОБ

1 Шундан кейин Хират–Йўрим аҳолиси бориб, Эгамизнинг Сандиғини олди.
Уни Абунадавнинг тепаликдаги уйига олиб келишди. Эгамизнинг Сандиғини
авайлаб сақласин деб, Абунадавнинг ўғли Элазарни поклаб, шу вазифага
тайинлашди.

Шомуил Исроилга йўлбошчилик қилади

2 Сандиқ узоқ вақт — йигирма йилча Хират–Йўримда қолиб кетди. Бу орада
бутун Исроил халқи Эгамизга талпинди.

3 Шомуил жамики Исроил халқига деди:

— Агар чин дилдан Эгамизга қайтмоқчи бўлсангиз, ҳамма бегона худоларни
ва Аштарет тасвирларини орангиздан йўқотинг. Кўнглингизни Эгамизга бериб,
ёлғиз Унга хизмат қилинг. Ана шунда Эгамиз сизларни Филистларнинг қўлидан
қутқаради.

4 Исроил халқи Баал ва Аштарет тасвирларини йўқ қилиб, фақат Эгамизга
хизмат қила бошлашди.

5 Ўшанда Шомуил:

— Бутун Исроил халқи Миспахда* тўплансин, мен у ерда Исроил халқи учун
Эгамизга илтижо қиламан, — деди.

6 Миспахда тўпланган Исроил халқи қудуқдан сув тортиб, Эгамизга назр қилиб
тўкишди. “Эгамиз олдида гуноҳ қилдик”, деб ўша куни рўза тутишди. Шомуил
Миспахда Исроил халқига ҳакамлик қила бошлади.

7 Филистлар Исроил халқининг Миспахда тўпланганини эшитиб қолишди.
Филист беклари, Исроил халқи билан уришамиз, деб отланишди. Исроил халқи
буни эшитиб, Филистлардан қўрқиб кетишди. 8 Улар Шомуилга:

— Биз учун Эгамиз Худога тинимсиз илтижо қилинг, токи У бизни
Филистларнинг қўлидан қутқарсин, — дейишди. 9 Шу боисдан Шомуил битта
эмадиган қўзичоқ олиб, Эгамизга куйдириладиган қурбонлик қилди. Сўнг Исроил
халқи учун Эгамизга нолаю фарёд билан илтижо қилди. Эгамиз унинг
илтижосини эшитди.

10 Шомуил куйдириладиган қурбонликни адо этаётган эди, Филистлар Исроил
лашкарига ҳужум қилмоқчи бўлиб яқин келдилар. Аммо ўша заҳоти Эгамиз
ваҳимали овоз чиқариб, Филистларни шундай саросимага солдики, оқибатда улар
Исроил лашкарига мағлуб бўлди. 11 Исроил лашкари Миспахдан чиқиб,
Филистларни Байт–Кор деган ернинг этагигача қувиб бориб ўлдирдилар.

12 Шомуил бир тошни олиб, Миспах билан Яшоно орасига ўрнатди. “Эгамиз
бизга йўл бўйи ёрдам берди”, дея тошга Эванзор* деб ном берди. 13 Мағлуб бўлган
Филистлар Исроил ҳудудига қайтиб ҳужум қилишмади. Шомуил ҳаётлигида
Исроил халқи Филистларга ҳужум қилганда, Эгамиз мадад бериб турди.
14 Эхрондан Гатга қадар Филистлар қўлга киритган шаҳарларнинг ҳаммасини
Исроил халқи яна қайтариб олди. Шундай қилиб, Исроил халқининг ҳамма ерлари
Филистлардан озод бўлди. Исроил халқи билан Амор халқлари* орасида сулҳ
тузилди.

15 Шомуил умр бўйи Исроилга ҳакамлик қилди. 16 У ҳар йили Байтил, Гилгал,
Миспахни айланар, бу шаҳарларда туриб, Исроилни бошқарарди. 17 Кейин Рама

шаҳридаги уйига қайтар ва ўша ерда туриб Исроилга ҳакамлик қиларди. Шомуил Рамада Эгамизга атаб бир қурбонгоҳ қурдирди.

8–БОБ

Исроил халқи бир шоҳ талаб қилади

1 Шомуил кексайгач, ўғилларини Исроилга ҳакам қилиб тайинлаган эди.
2 Тўнғич ўғлининг оти Йўэл, иккинчи ўғлининг оти Абиё эди. Бершеба шаҳрида* шу ўғиллари ҳакам эдилар. 3 Аммо ўғиллари Шомуилнинг йўлидан юришмади. Улар тама қилар, пора олар, бир ёқлама ҳукм чиқарардилар.

4 Бир куни Исроилнинг ҳамма оқсоқоллари тўпланишиб, Рамага —
Шомуилнинг ҳузурига боришди 5 ва унга шундай дейишди:

— Мана, сиз кексайдингиз, ўғилларингиз эса сизнинг йўлингиздан юришмаяпти. Энди бошқа халқларда бўлганидай, устимиздан ҳукмронлик қиладиган бир шоҳ тайинланг.

6 Исроил оқсоқолларининг “Устимиздан ҳукмронлик қиладиган бир шоҳ тайинланг” деган гаплари Шомуилга ёқмади. Шунинг учун у Эгамизга ибодат қилган эди, 7 Эгамиз Шомуилга шундай жавоб берди:

— Халқ сенга нима айтса, ҳамма гапига қулоқ сол. Улар сени рад этишмади, ўзларининг шоҳи сифатида Мени рад этишди. 8 Уларни Мисрдан олиб чиққан кунимдан буён Менга нима қилган бўлсалар, сенга ҳам шундай қилишаётир: улар Мени тарк этиб, бошқа худоларга сажда қилишди. 9 Энди уларнинг гапига қулоқ сол. Фақат уларни жиддий огоҳлантириб қўй, ўзлари устидан ҳукмронлик қиладиган шоҳнинг ҳуқуқи ва муомаласини очиқчасига айт.

10 Ўзлари учун шоҳ талаб қилаётган халққа Шомуил Эгамизнинг ҳамма айтганларини етказди:

11 — Сизларга ҳукмронлик қиладиган шоҳнинг ҳуқуқи ва муомаласи қуйидагича бўлади: шоҳ ўғилларингизни мажбурлаб жанг аравларида ва сувори лашкари сафида хизмат қилишга олади. Баъзиларини ўзига қўриқчи қилиб тайинлайди, улар шоҳнинг жанг аравалари олдида югуришади. 12 Шоҳ баъзиларини мингбоши, баъзиларини элликбоши этиб тайинлайди. Қай бирини шоҳ ўз даласини экиш–ўришга, яна бошқасини эса жанг қуролларини ва жанг аравларининг асбоб–ускуналарини ясашга мажбур этади. 13 Қизларингизни пардозчи, ошпаз, новвой қилиб олади. 14 Энг яхши далаларингизни, узумзорларингизни, зайтунзорларингизни олиб, ўзининг аъёнларига беради.
15 Донингизнинг, узумларингизнинг ўндан бирини олиб, сарой амалдорлари билан бошқа аъёнларига тақсимлаб беради. 16 Қул ва чўриларингизни, энг сара ҳўкизларингизни*, энг сара эшакларингизни олиб, ўзининг иши учун фойдаланади. 17 Қўй ва эчки сурувларингизнинг ҳам ўндан бирини тортиб олади. Ўзларингиз ҳам унга қул бўлиб қоласизлар. 18 Вақти келиб, ўзларингиз истаган шоҳ дастидан фарёд қиласизлар. Лекин ўша пайтда Эгамиз сизларга жавоб бермайди.

19 Барибир халқ Шомуилнинг гапини эшитишни истамади:

— Йўқ, устимиздан бир шоҳ бўлсин, 20 ўшанда биз ҳам ҳамма халқлар сингари бўламиз. Шоҳимиз бизга ҳукмронлик қилсин, олдимизда бориб, урушларимизда бош бўлсин, — дейишди.

21 Шомуил халқнинг ҳамма гапини тинглади, сўнг уларнинг гапларини Эгамизга айтди. 22 Эгамиз Шомуилга:

— Уларнинг гапига қулоқ сол, устиларидан шоҳ тайинла, — деб амр берди.

Шомуил Исроил халқига:
— Ҳар ким ўз шаҳрига қайтсин, — деди.

9–БОБ

Шомуил Шоулни қарши олади

1 Бенямин қабиласида Киш деган бир одам бор эди. Киш — Абилнинг ўғли,
Абил — Зарорнинг ўғли эди. Зарор — Бахуратнинг, Бахурат — Офиёхнинг ўғли
эди. Бенямин қабиласидан бўлган Киш анча обрўли одам эди. 2 Унинг Шоул деган
ёш, чиройли бир ўғли бор эди. Исроил халқи орасида Шоулдан чиройли одам йўқ
эди. Ҳар қандай одамнинг бўйи унинг елкасидан келарди.
3 Бир куни Кишнинг эшаклари йўқолиб қолди. Киш ўғли Шоулга:
— Хизматкорлардан бирини ёнингга олгин–да, бориб, эшакларни топиб кел,
— деди.
4 Шоул Эфрайим қирларини, сўнг Шолишо ерларини айланиб чиқди. Аммо
эшакларни топа олмади. Кейин Шалим ерларига ўтди, эшаклар у ерда ҳам йўқ
экан. Сўнгра Бенямин ҳудудини кезиб чиқди, эшакларни у ердан ҳам топа олмади.
5 Зуф деган жойга боришгач, Шоул ёнидаги хизматкорига:
— Бўлди энди, орқага қайтамиз, бўлмаса, эшаклар қолиб, отам биздан
хавотирланади, — деди.
6 — Энди бундай қилсак, — деди хизматкори, — шу шаҳарда бир пайғамбар
бор, у обрўли одам. Ҳамма айтганлари вожиб бўлади. Ўша одамникига борсак,
балки борадиган йўлимизни у бизга кўрсатар.
7 — Агар борсак, унга нима олиб борамиз? — деб сўради Шоул. —
Тўрваларимиздаги нон тугади. Пайғамбарга олиб борадиган бирор ҳадямиз йўқ.
Нимамиз қолди?
8 — Мана, менда бир кумуш танга* бор, — деди хизматкор. — Буни
пайғамбарга бераман, у бизга борадиган йўлимизни кўрсатади.
9 (Қадимда Исроилда кимдир Худонинг хоҳиш–иродасини билмоқчи бўлса,
“Қани, валийга борамиз”, дерди. Бугунги пайғамбар ўша вақтда валий
дейиларди.)
10 Шоул хизматкорига:
— Маъқул, қани, кетдик, — деди. Шундай қилиб, улар пайғамбар яшайдиган
шаҳарга жўнадилар. 11 Шаҳар тепаликда жойлашган эди. Улар шаҳарга борадиган
қия йўлдан кетаётганларида, қудуқдан сув олишга келган қизларга дуч келишди.
Улар қизлардан:
— Валий шу ердами? — деб сўрашди. 12 Қизлар жавоб беришди:
— Ҳа, ана олдингизда! Фақат тезроқ боринглар, шаҳримизга бугун келдилар.
Бугун тепаликдаги саждагоҳда халқ қурбонлик келтиради. 13 Шаҳарга
киришингиз биланоқ, уни топасизлар. У саждагоҳга таом ейишга келмоқда. Валий
келиб, қурбонликни табаррук қилмагунча, халқ таом емайди. У келгандан
кейингина таклиф қилинганлар таом ейди. Ҳозир борсангиз, уни дарров
топасизлар.
14 Шоул билан хизматкори шаҳарга келишди. Шаҳарга кирганларида,
саждагоҳга чиқишга тараддуд кўраётган Шомуил улар томонга келаётган экан.
15 Шоул келмасдан бир кун олдин, Эгамиз Шомуилга шуни аён қилган эди:
16 “Эртага шу вақтда сенинг олдингга Бенямин юртидан биттасини юбораман.
Унинг бошига мой суртиб танла. У халқим Исроилнинг ҳукмдори бўлсин.
Халқимни Филистлар қўлидан у қутқаради. Халқимнинг аҳволига назар солдим,

уларнинг оҳу фиғони Менга етиб келди.”
17 Шомуил Шоулни кўргач, Эгамиз унга: “Ана Мен сенга айтган одам, Менинг
халқимга у раҳнамолик қилади”, — деди. 18 Шоул шаҳар дарвозаси олдида
Шомуилга яқинлашиб сўради:
— Марҳамат қилиб айтинг–чи, валийнинг уйи қаерда?
19 — Валий менман, — деди Шомуил. — Мендан олдин саждагоҳга чиқ. Бугун
мен билан бирга таом ейсизлар. Эртага эрталаб дилингдаги ҳамма нарсани сенга
айтиб, кейин ўзим кузатиб қўяман. 20 Исроил халқининг умиди сендан ва сенинг
хонадонингдан эканини ўзинг билишинг зарур. Уч кун олдин йўқолган
эшакларинг учун қайғурма. Улар топилди.
21 — Мен Исроил қабиласининг энг кичиги бўлган Бенямин
қабиласиданман–ку! Мен мансуб бўлган уруғ Бенямин қабиласининг ҳамма
уруғидан энг кичиги бўлса, менга нима учун бундай гапларни айтяпсиз? — деди
Шоул.
22 Шомуил Шоул билан хизматкорини ўша ердаги хонага олиб борди.
Чақирилганлар тахминан ўттизтача эди. Энг тўрига Шоул билан хизматкорини
ўтқазди. 23 Кейин ошпазга:
— Мен сенга, бир четга олиб қўй, деб улуш берган эдим–ку, ўша улушни
келтир, — деди. 24 Ошпаз ўнг сон гўштини олиб келиб, Шоулнинг олдига қўйди.
— Мана, сен учун ажратиб қўйилган улуш, марҳамат, егин! — деди Шомуил. —
Бу улушни белгиланган кунда ўзим чақирган халқим билан бирга ейсан, деб сенга
сақлаб қўйган эдим.
Ўша куни Шоул Шомуил билан таом еди. 25 Сўнгра улар саждагоҳдан шаҳарга
тушишди. Шомуил уйининг томида Шоул билан суҳбатлашди.

Шомуил Шоулни ҳукмдор этиб тайинлайди

26 Саҳар пайти Шомуил том устида ётган* Шоулни чақириб:
— Бўла қол! Сени кузатиб қўяман, — деди.
Шоул ўрнидан туриб, Шомуил билан бирга ташқарига чиқди. 27 Шаҳар
чеккасига яқинлашганларида, Шомуил Шоулга деди:
— Хизматкорингга айт, у биздан олдинроқ юрсин. Сен орқароқда қол, сенга
Худонинг каломини айтаман.

10–БОБ

1 Сўнгра Шомуил мой идишини олиб, Шоулнинг бошига мой суртди. Кейин
Шоулни ўпиб, шундай деди:
— Мана, Эгамиз сенга мой суртиб, Ўз халқига ҳукмдор этиб танлади. 2 Бугун
менинг олдимдан кетганингдан кейин Бенямин ҳудудида, Зилзахдаги
Роҳиланинг мақбараси ёнида икки кишига дуч келасан. Улар сенга: “Излаб кетган
эшакларинг топилди, отанг энди эшакларни ўйламай, балки, ўғлимга нима бўлди
экан, деб сендан хавотирланиб ўтирибди”, деб айтишади. 3 У ердан яна йўлингда
давом этиб, Товурдаги муқаддас дарахт олдидан чиқасан. У ерда учта одамга дуч
келасан. Уларнинг бири учта улоқча, бири учта гардиш нон, яна бошқаси бир меш
шароб билан Худонинг ҳузурига — Байтилга йўл олган бўлади. 4 Улар сенга
омонлик тилаб, иккита гардиш нон беришади. Сен нонларни ол. 5 Кейин
Филистлар қўнолғаси жойлашган, Худонинг тепалиги деб аталган Гивога*
борасан. Шаҳарга кирганингда, пайғамбарлар гуруҳига дуч келасан. Улар жўшиб
зикр тушиб, саждагоҳдан тушиб келаётган бўладилар. Уларнинг олдиларида
арфа, чилдирма, най ва лира чалиб келаётган одамлар бўлади. 6 Эгамиз Руҳи сени

ҳам қамраб олади. Улар билан бирга сен ҳам жўшиб зикр тушасан ва бутунлай бошқа одамга айланасан. 7 Бу аломатлар сенда намоён бўлганда, ўзингга маъқул бўлганини қил. Худо сен билан. 8 Мендан олдин сен Гилгалга бор. Мен ҳам куйдириладиган қурбонликлар ва тинчлик қурбонликларини назр қилгани ҳузурингга бораман. Мени етти кун кут, ёнингга борганимдан кейин нима қилишингни айтаман.

9 Шоул энди Шомуилнинг ёнидан кетиш учун чоғланган ҳам эдики, Худо унинг юрагини ўзгартирди. Ўша куни Шомуил айтган ҳамма аломатлар бажо бўлди. 10 Шоул Гивога келганда, уни пайғамбарлар гуруҳи қарши олди. Худонинг Руҳи уни қамраб олди, Шоул улар билан бирга жўшиб зикр туша бошлади. 11 Шоулнинг дўстлари буни кўриб, ҳайратга тушдилар:

— Нима? Наҳотки Шоул ҳам пайғамбар бўлса?! Кишнинг ўғли қандай қилиб пайғамбар бўлиб қолибди?

12 Қўшниларидан бири эътироз билдирди:

— Отаси кимлигининг аҳамияти йўқ. Ҳар ким ҳам пайғамбар бўлиши мумкин*.

Шу сабабдан ҳам “Наҳотки Шоул ҳам пайғамбар бўлса?!” деган гап аслида ўшандан қолган.

13 Зикр тушиш тўхтагач, Шоул саждагоҳга чиқди.

14 Амакиси Шоул билан хизматкоридан:

— Қаерларда қолиб кетдингизлар? — деб сўради.

— Эшакларни қидирдик, уларни топа олмай, Шомуилнинг олдига бордик, — деб жавоб берди Шоул.

15 — Шомуил сизларга нималар деди, менга ҳам айт–чи, — деди амакиси.

16 — Эшакларнинг топилганини бизга тўппа–тўғри айтиб берди, — деди Шоул. Шомуилнинг шоҳликка алоқадор сўзларини эса амакисига айтмади.

Шоул шоҳ деб эълон қилинади

17 Шомуил Исроил халқини Миспахга*, Эгамизнинг ҳузурига чақириб, 18 шундай деди:

— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз айтмоқда: “Исроил халқини Мисрдан Мен олиб чиққанман. Мисрликларнинг ва сизларга зулм қилган ҳамма шоҳликларнинг қўлидан сизларни қутқардим. 19 Аммо бугун бутун машаққат ва заҳматларингиздан сизларни қутқарадиган Мен, Худойингизни рад қилдингиз ҳамда: «Бизга устимиздан шоҳ тайинланг», дединг из. Энди Мен, Эгангизнинг ҳузурида қабила ва уруғларга бўлиниб тизилинг.”

20 Шомуил Исроил халқининг ҳамма қабилаларини бирин–кетин ўз ҳузурига чақирди. Қуръа ташлаб*, улардан Бенямин қабиласини танлаб олди. 21 Кейин Бенямин қабиласини уруғлари бўйича олдига чақирди. Қуръа ташлаб, Матри уруғини танлаб олди. Яна қуръа ташлаб, Матри уруғидан Кишнинг ўғли Шоулни танлаб олди. Исроил халқи уни ахтариб топа олмади. 22 Улар Эгамиздан:

— Ўша одам келдими ўзи? — деб сўрашди.

— У шу ерда, анжомларнинг орасида яшириниб юрибди, — деган жавоб келди Эгамиздан.

23 Одамлар югуриб бориб, Шоулни олиб келишди. Шоул халқнинг орасида тикка турган эди, ҳамма унинг елкасидан келар экан.

24 Шомуил бутун халойиққа қарата:

— Эгамиз танлаган одамни кўряпсизми, бутун халқ орасида унга тенг келадигани топилмайди, — деди. Шунда халқ:

— Яшасин шоҳ! — деб ҳайқирди.

25 Шомуил шоҳликнинг қонун–қоидаларини халққа айтиб берди. (Кейинчалик

Шомуил бу қонун–қоидаларни китоб ҳолига келтириб, Эгамизнинг уйига* қўйди.)
Сўнг ҳамма одамни уй–уйларига жўнатиб юборди. 26 Шоул ҳам Гивога — ўз уйига
кетди. Худо руҳлантирган бир неча киши унга ҳамроҳ бўлди. 27 Аммо баъзи
ярамас одамлар: “У бизни қутқара олармиди?!” деб Шоулни назарларига илмади,
шу сабабдан унга инъомлар тортиқ қилишмади. Шоул эса билиб билмасликка
олиб қўя қолди.

11–БОБ

Шоул Оммон халқини енгади

1 Оммон* шоҳи Нахош Гиладдаги Ёбош шаҳрига* келиб, у ерни қамал қилди.
Ҳамма Ёбошликлар Нахошга:

— Биз сен билан сулҳ тузиб, сенга итоат этамиз, — дейишди. 2 Оммон шоҳи
Нахош:

— Фақат бир шарт билан сулҳ тузаман, — деди. — Ҳар бирингизнинг ўнг
кўзингизни ўйиб оламан–да, бутун Исроил халқини бадном қиламан.

3 Ёбош шаҳрининг оқсоқоллари Нахошга шундай дейишди:

— Бизга етти кун муҳлат бер, Исроилнинг ҳамма ҳудудига хабарчилар
жўнатайлик. Агар бизга нажот берадиган кимса чиқмаса, сенга таслим бўламиз.

4 Хабарчилар Шоул яшайдиган Гиво шаҳрига келиб, бўлаётган воқеаларни
халққа билдиришди. Ҳаммаси йиғи–сиғи қилиб, дод–фарёд солди. 5 Худди шу пайт
Шоул ҳўкизларини олдига солиб даладан қайтаётган эди. Шоул:

— Одамларга нима бўлди? Нега бунчалик йиғлайди? — деб сўради.

Ёбошликларнинг жўнатган хабарини унга айтиб беришди. 6 Шоул бу гапларни
эшитган заҳоти, Худонинг Руҳи уни қамраб олди. Шоул қаттиқ ғазабланди. 7 Бир
жуфт ҳўкизни сўйиб, нимталади. Хабарчилар орқали Исроилнинг ҳамма томонига
ўша нимталанган бўлакларни жўнатиб, шундай деди: “Кимки Шоул билан
Шомуилнинг орқасидан эргашмаса, ўша одамнинг ҳўкизлари ҳам худди шу
аҳволга тушади.”

Одамлар Эгамиздан қўрққанидан зир титраб, бир ёқадан бош чиқариб йўлга
тушди. 8 Шоул уларни Базах шаҳрида* йиғди. Исроил уруғларидан 300.000, Яҳудо
уруғидан эса 30.000 киши бор эди. 9 У ерга келган Ёбошлик хабарчиларга шундай
дейишди:

— Гиладдаги Ёбош аҳолисига, эртага пешингача нажот топасизлар, деб
айтинглар.

Хабарчилар бориб, бу гапни етказишди. Ёбошликлар қувониб кетишди.
10 Нахошга эса:

— Эртага сизга таслим бўламиз, бизга нимани лозим кўрсангиз, шуни
қилаверинг, — дейишди.

11 Эртаси куни Шоул одамларни уч қисмга бўлди. Улар тонг пайти Оммон
лашкарининг қароргоҳига бостириб киришди. Куннинг жазирама иссиғи
бошлангунча, уларни мағлуб қилиб бўлишди. Омон қолганлари шундай тирқираб
қочдики, ҳатто бирон жойда икки киши тўпланганини учратиб бўлмасди.

12 Исроил лашкари Шомуилнинг олдига бориб:

— “Бизга шоҳлик қилиш Шоулга тушиб қолибдими?” деганлар кимлар эди?
Олиб келинг уларни, ўлдирамиз! — деб қаттиқ талаб қилишди. 13 Шоул эса:

— Бугун бирон кимса ўлдирилмайди, чунки Эгамиз бугун Исроилга нажот
берди, — деди.

14 — Майли, Гилгалга борамиз, ўша ерда шоҳликни янгидан тиклаймиз, —

деди Шомуил халққа.
15 Шундай қилиб, бутун халқ Гилгалга борди ва Эгамиз ҳузурида Шоулнинг
шоҳлигини тасдиқлади. Ўша ерда — Эгамизнинг ҳузурида тинчлик
қурбонликлари келтиришди. Шоул ва бутун Исроил халқи роса хурсандчилик
қилишди.

12–БОБ

Шомуилнинг айрилиш нутқи

1 Шундан кейин Шомуил бутун Исроил халқига деди:
— Менга нима гапирган бўлсангиз, ҳаммасига қулоқ солдим. Сизларнинг
устингиздан бир шоҳ тайинладим. 2 Энди у сизларга раҳнамолик қилади. Мен эса
кексайдим, сочим оқарди. Мана, ўғилларим ҳам сизлар билан бирга. Ёшлигимдан
буён шу кунгача сизларга йўлбошчилик қилдим. 3 Қани, айтинглар–чи, қайси
биримгизнинг ҳўкизингизни олдим? Кимнинг эшагини тортиб олдим? Кимни
товладим? Кимга зулм қилдим? Кимдан пора олиб, унинг айбларини
кўриб–кўрмасликка олдим? Эгамизнинг ва У мой суртиб танлаган шоҳнинг
олдида мен ҳақимда гувоҳлик беринг, сизлардан бирор нарса олган бўлсам,
қайтариб берай.
4 — Бизни товламадингиз, бизга зулм қилмадингиз, бирор кимсанинг қўлидан
бирон нарса олмадингиз, — деди халқ.
5 — Мендан бирор нуқсон топмаганингизга бугун Эгамиз ҳамда У мой суртиб
танлаган шоҳ гувоҳдир, — деди Шомуил.
— Ҳа, улар гувоҳ бўлиб турибди, — деди халқ. 6 Шомуил гапини давом
эттирди:
— Мусо билан Ҳорунни тайин қилган, ота–боболарингизни Миср юртидан
олиб чиққан — Эгамиздир. 7 Энди шу ерда туринглар, Эгамизнинг сизларга ва
ота–боболарингизга нажот бериш учун қилган ҳамма ажойиботларининг
исботини Унинг ҳузурида сизларга кўрсатаман. 8 Ёқуб Мисрга келгандан кейин,
ота–боболарингиз Эгамизга ёлворди, У эса Мусо билан Ҳорунни юборди. Улар
ота–боболарингизни Мисрдан олиб чиқиб, бу ерга жойлаштирди. 9 Аммо
ота–боболарингиз ўзларининг Эгаси Худони унутишди. Шунинг учун Эгамиз
уларни Хазор шоҳининг лашкарбошиси Сисаронинг, Филистларнинг ва Мўаб
шоҳининг қўлига топширди. Улар ота–боболарингиз билан уришишди.
10 Ота–боболарингиз Эгамизга: “Гуноҳ ишлар қилдик, Сендан юз ўгириб, Баал
билан Аштаретга хизмат қилдик, энди бизни ғанимларимизнинг қўлидан озод эт,
Сенга хизмат қиламиз”, деб ёлворишди. 11 Эгамиз эса Гидўн*, Барақ*, Йифтоҳ*,
Шимшўн* сингари ҳакамларни* юборди. Бехавотир яшанглар деб, сизларни
бўйсундирган ғанимларингиз қўлидан озод этди. 12 Сўнгра Оммон шоҳи Нахош
сизларга ҳужум қилмоқчи бўлганини кўриб, қўрқиб кетдингиз. Ўз Эгангиз Худо
сизларнинг шоҳингиз бўлса ҳам, менга: “Йўқ, бизни оддий шоҳ бошқарсин”, деб
туриб олдингиз. 13 Мана, танлаб, тилаб олган шоҳингиз! Ҳа, Эгамиз устингиздан
ҳукмронлик қиладиган бир шоҳни берди. 14 Эгамиздан қўрқиб, Унга хизмат
қилинглар, Унинг сўзларига қулоқ солиб, амрларидан бўйин товламанглар.
Сизларга ҳукмронлик қиладиган шоҳингиз билан бирга Эгангиз Худога
эргашинглар. Агар шундай қилсангизлар, ҳаммаси яхши бўлади. 15 Эгамизнинг
сўзларига итоат этмасдан, Унинг амрларига қарши чиқсангиз, Эгамиз
ота–боболарингизни жазолаганидай, сизларни ҳам жазолайди. 16 Энди турган
ерингизда тураверинг, кўз ўнгингизда Эгамизнинг ажойиботини кўринглар.

17 Ҳозир буғдой ўрими пайти, қурғоқчилик бошланди. Мен Эгамизга илтижо
қиламан, У момақалдироқ гулдиратиб, ёмғир ёғдиради. Шундай қилиб, сизлар
бир шоҳ сўраш билан Эгамиз олдида қанчалик қабиҳлик қилганингизни яхшилаб
тушуниб оласиз.
18 Шомуил Эгамизга илтижо қилган эди, Эгамиз ўша куни момақалдироқ
гумбурлатиб, ёмғир ёғдирди. Жамики халқ Эгамиздан ҳам, Шомуилдан ҳам жуда
қўрқиб кетди. 19 Улар Шомуилга:
— Нобуд бўлмайлик. Биз — қулларингиз учун ўз Эгангиз Худога илтижо
қилинг, — дейишди. — Энди билдик, биз бир шоҳ сўраб, бутун гуноҳларимиз
устига яна гуноҳ қилибмиз.
20 Шомуил халққа деди:
— Сизлар бу қилмишларингиз билан қабиҳлик қилдиларингиз, лекин энди
қўрқманглар, Эгамиздан юз ўгирмасдан Унга эргашинглар. Унга бутун қалбингиз
билан хизмат қилинглар. 21 Бирор кимсага нажот беролмайдиган яроқсиз
бутларнинг орқасидан эргашманглар, улар бефойда нарсалар–ку, ахир. 22 Эгамиз
сизларни Ўзининг халқи қилди. У Ўзи танлаган халқдан юз ўгирмайди. Акс ҳолда,
Ўзининг улуғ исмини бадном қилган бўлади. 23 Энди менга келсак, албатта
Эгамизга сизлар учун ибодат қиламан. Акс ҳолда, Унга қарши гуноҳ қилган
бўламан. Бундан Худо сақласин! Сизларга фақат тўғри ва яхши йўлни кўрсатаман.
24 Фақат Эгамиздан қўрқинглар, Унга бутун қалбингиз билан ишониб хизматда
бўлинглар. Қаранг, У сизлар учун қандай ажойиб ишлар қилган! 25 Агарда
қабиҳлик қилаверсангизлар, Эгамиз сизларни ҳам, шоҳингизни ҳам йўқ қилади.

13–БОБ

Филистлар билан уруш

1 Шоҳ Шоул ўттиз* ёшида тахтга ўтириб, Исроилда қирқ икки йил шоҳлик
қилди*. 2 У Исроил лашкаридан уч мингта одам саралаб олиб, қолганларини
уйларига жўнатиб юборди. Ўша уч мингтадан икки мингтасини Михмаш ва
Байтил қирларига жойлаштирди, мингтасини эса Бенямин уруғига қарашли Гиво
шаҳрига — Йўнатаннинг* ихтиёрига юборди. 3 Орадан кўп ўтмай, Йўнатан
Филистларнинг Гебо шаҳридаги* қўнолғасини мағлуб қилди. Бу хабар Филистлар
орасида тезда тарқалди. Шоул: “Ибронийлар бу ҳодисадан хабардор бўлсин”, деб
бутун ўлка бўйлаб бурғу чалдирди. 4 Шундай қилиб, Шоул Филистлар
қўнолғасини енгганини ва Филистлар Исроил халқидан нафратланганини Исроил
халқининг ҳаммаси билди. Сўнг лашкар Гилгалда Шоулнинг атрофига тўпланди.
5 Филистлар ҳам Исроил лашкари билан уришмоқ учун йиғилишди. Уч мингта*
жанг араваси, олти мингта отлиқ сипоҳ ва денгиз қирғоғидаги қум сингари
сон–саноқсиз лашкар йўлга чиқиб, Байт–Обун шаҳрининг шарқидаги Михмашга
келди. Улар ўша ерда қароргоҳ қуришди. 6 Исроил лашкарининг аҳволи
оғирлашиб, қийналиб қолди ва улар ғорларга, хандақларга, қоялар орасига,
қабрларга, сардобаларга яшириндилар. 7 Ибронийларнинг айримлари эса Иордан
дарёси шарқидаги Гад ва Гилад ерларига кечиб ўтишди.
Шоул у вақтда ҳали ҳам Гилгалда эди. Унга эргашганларнинг ҳаммаси қўрқиб
кетишди. 8 Шомуил Шоулга: “Мени етти кун кут”, деб айтгани учун*, уни Гилгалда
етти кун кутиб турди. Шомуил Гилгалга келавермагач, лашкар энди Шоулнинг
ёнидан қоча бошлади. 9 Шунинг учун Шоул:
— Куйдириладиган қурбонлик билан тинчлик қурбонликларини менга олиб
келинглар, — деб буюрди. Кейин у куйдириладиган қурбонликларни назр қилди.

10 Шоул қурбонликни куйдириб бўлган ҳам эдики, Шомуил келиб қолди. Шоул,
унга салом берай деб, пешвоз чиқди.
11 — Нима қилиб қўйдинг?! — деди Шомуил.
— Одамларим менинг ёнимдан қочиб кетяпти, — деди Шоул. — Сиз эса
белгиланган куни келмадингиз. Бунинг устига, Филистлар Михмашда тўпланиб
туришибди. Уларни кўриб, 12 энди Филистлар Гилгалга устимга бостириб келади,
мен эса ҳанузгача Эгамдан ёрдам сўраб илтижо қилмадим, деб ўйладим. Шундан
кейин куйдириладиган қурбонликни қилишга мажбур бўлдим.
13 Шомуил Шоулга деди:
— Нодонларча иш тутибсан, ўз Эганг Худонинг сенга берган амрига итоат
этмадинг. Бўлмаса, Эгам Исроилдаги шоҳлик тахтингни то абад мустаҳкам қилган
бўларди. 14 Энди сенинг шоҳлигинг узоққа бормайди. Эгам Ўз кўнглига мос
биттасини топди, уни Ўз халқи устидан ҳукмдор қилиб тайинлади. Чунки сен
Эгамнинг амрига итоат қилмадинг.
15 Шундан сўнг Шомуил Гилгалдан чиқиб, Бенямин уруғига қарашли Гиво
шаҳрига жўнаб кетди. Шоул ёнида қолган одамларни санаб чиқди, ҳаммаси бўлиб
тахминан олти юз киши экан. 16 Шоул, ўғли Йўнатан ва уларнинг лашкари
Бенямин қабиласига қарашли Гебода жойлашдилар. Филистлар эса Михмашда
қароргоҳ қурган эдилар. 17 Филистларнинг илғорлари* уч гуруҳга бўлиниб,
Исроил қишлоқларини талаш учун қароргоҳдан чиқишди. Гуруҳлардан бири
Шувол ҳудудидаги Ўфра шаҳри томонга, 18 иккинчиси Байт–Хўрон шаҳри томонга,
учинчиси эса чўл томонга — Завўм водийси кўриниб турган чегара адирга йўл
олди.
19 Филистлар: “Ибронийлар қилич, найза ясай олмасин”, деб бутун Исроил
юртида бирорта ҳам темирчи қолдирмаган эдилар. 20 Шунинг учун бутун Исроил
халқи омоч тишларини, чўкичларини, болта ва ўроқларини* ўткирлаш учун
Филистларнинг олдига борар эди. 21 Омоч тиши билан чўкични ўткирлаш баҳоси
икки мисқол кумуш*, паншаха, болта ва темир учли говронни* ўткирлаш баҳоси
бир мисқол кумуш* эди. 22 Шу сабабдан Шоул билан Йўнатаннинг жангчиларидан
бирортасида қилич ёки найза йўқ эди, фақат Шоул ва унинг ўғлида бор эди, холос.
23 Бу пайтга келиб, Филистлар қўнолғасини Михмаш довонида жойлаштирган
эдилар.

14–БОБ

Йўнатаннинг мардона иши

1 Ўша куни Шоулнинг ўғли Йўнатан ёшгина қуролбардорига:
— Юр, нариги томондаги Филистларнинг қўнолғаси турган жойга ўтамиз, —
деди. Аммо бу ҳақда отасига ҳеч нарса айтмади. 2 Шоул Гиво шаҳри яқинидаги
Мигронда бир анор дарахти тагида ўтирар, ёнида олти юзтача одамдан иборат
лашкари бор эди. 3 Эфод кўтариб юрган руҳоний Охиё ҳам ўша ерда эди. Охиёнинг
отаси — Охитоб, Охитобнинг акаси — Ихабод эди. Ихабод — Финхазнинг ўғли,
Финхаз эса Шилўда Эгамизнинг руҳонийси бўлиб хизмат қилган Элахнинг ўғли
эди.
Одамлар Йўнатаннинг кетганини сезмай қолган эдилар. 4 Йўнатан Филистлар
қўнолғасига довон орқали ўтмоқчи бўлди. Довоннинг ҳар икки томонида иккита
баланд чўққи бор эди. Бириси — Бозаз, бошқаси Санех деб аталарди.
5 Чўққилардан бири шимол томонда бўлиб, Михмашга, иккинчиси жанубда бўлиб,
Гивога қараган эди.

6 Йўнатан ёш қуролбардорига:
— Юр, ўша суннатсизларнинг қўнолғаси томонга ўтайлик, Эгамиз бизга ёрдам беради, — деди. — У кўпчилик билан ҳам, озчилик билан ҳам ғалабага эриштираверади. Чунки Эгамиз учун тўсқинлик йўқ.
7 — Сиз нима десангиз, шу–да, — деди қуролбардор. — Бўпти, борамиз. Кўнглингизга нима маъқул келса, мен ҳам сиз билан биргаман.
8 — Биз анави одамларга ўзимизни кўрсатамиз, — деди Йўнатан. — Агар улар бизни кўргач: 9 "Ёнингизга боргунимизча, ўша ерда тўхтаб турингланр", деб айтса, айтган жойида тўхтаб турамиз, уларнинг олдига бормаймиз. 10 Борди–ю: "Ёнимизга келинглар", деса борамиз. Ана шунда Эгамиз Филистларни бизнинг қўлимизга берганини биламиз, бизга аломат шу бўлади.
11 Иккови Филистларга кўриниш берган эди, Филистлар:
— Қаранглар, ибронийлар яширинган хандақларидан чиқа бошлашди! — деб қолди. 12 Сўнг Филистлар Йўнатан билан қуролбардорига:
— Бу ёққа келинглар–чи, бир гаплашиб қўяйлик, — деб бақиришди. Йўнатан қуролбардорига:
— Орқамдан юр, Эгамиз уларни Исроил халқининг қўлига берди, — деди.
13 Йўнатан тирмашиб қир тепасига чиқа бошлади. Қуролбардори ҳам унга эргашди. Олдидан келган Филистларни Йўнатан, орқадан келганини қуролбардори ўлдираверди. 14 Йўнатан билан қуролбардори биринчи ҳужумдаёқ кичкина майдонда* йигирматача сипоҳни ўлдиришди. 15 Ҳаммани — қароргоҳдаги ва қирдаги одамларни ваҳима босди. Сипоҳлар, ҳатто илғорлар* ҳам дағ–дағ титрарди. Бирдан ер тебранди. Бу Худо юборган даҳшат эди.

Филистлар устидан ғалаба

16 Шоулнинг Бенямин ҳудудидаги Гиво шаҳрида ўрнашган кузатувчилари Филистларнинг югур–югурини кўриб қолишди. 17 Шоул ёнидаги одамларга:
— Билинглар–чи, орамизда ким йўқ экан, — деди. Йўқлама қилган эдилар, Йўнатан билан унинг қуролбардори йўқлиги маълум бўлди. 18 Шоул Охиёга:
— Худонинг Сандиғини олиб кел, — деди. (Ўша пайтда Худонинг Сандиғи Исроил халқи билан эди*.)
19 Шоул руҳоний билан гаплашаётган пайтда Филистларнинг қароргоҳидаги ғала–ғовур роса авжига чиқди. Шунинг учун Шоул руҳонийга:
— Керак эмас, қўявер! — деди. 20 Ўша заҳоти Шоул ва ёнидаги сипоҳларининг ҳаммаси бирга уруш майдонига кетишди. У ерда катта ғалаён бўлаётган эди, ҳамма бир–бирига қилич соларди. 21 Шунда илгари Филистлар томонда бўлган ва уларнинг қароргоҳига келган ибронийлар ҳам сафдан чиқиб, энди Шоул билан Йўнатаннинг сипоҳларига — Исроил сипоҳларига қўшилиб олишди. 22 Эфрайим қирларида яшириниб олганлар ҳам Филистларнинг қочаётганини эшитиб, уларни жанг майдонидан қувлай бошлади. 23 Шундай қилиб, ўша куни Исроил лашкарини Эгамиз ғалабага эриштирди.

Шоул лашкарига онт ичиради

Уруш Байт–Обуннинг нариги томонларигача ёйилди. 24 Ўша куни Исроил лашкари жуда ҳам ҳолдан тойди, чунки Шоул лашкарига онт ичириб, шундай деган эди: "Душманларимиздан ўч олмагунимизча, оқшомга қадар ким бир луқма таом еса, лаънати бўлсин!" Шунинг учун бирор кимса ҳеч нарса емади.
25-26 Лашкар ўрмонга борганда, ерда оқиб ётган асални кўрди, лекин Шоул ичирган қасамдан қўрқиб, бирортаси асалга қўл теккизмади. 27 Йўнатан эса отасининг лашкарига онт ичирганидан бехабар эди. Қўлидаги таёғини узатиб,

таёқ учини асалари инига ботирди. Асалдан озгина татиб кўрган эди, кўзлари чақнаб кетди. 28 Шу заҳоти сипоҳлардан бири Йўнатанга:

— Отангиз лашкарга, бугун ким таом еса, лаънати бўлсин, деб онт ичирган эди, шунинг учун одамлар ҳолдан тойган, — деди.

29 — Отам одамларни оғир аҳволга солиб қўйди, — деди Йўнатан. — Қаранглар, мана бу асалдан бир оз татиб кўрган эдим, кўзларим чарақлаб кетди. 30 Бугун лашкаримиз ғанимлардан тортиб олган таомлардан тўйиб есайди, жуда яхши бўларди. Ўшанда Филистларни мағлуб қилиш янада осон бўлармиди?!

31 Ўша куни Исроил лашкари Михмаш билан Ойжавлон* оралиғидаги Филистларни мағлуб қилди. Қорни очган Исроил лашкари шу қадар ҳолдан тойдики, 32 охири улардан ўлжа қилиб олинган чорваларга ташланишдан ўзга чора қолмади. Қўй, мол, бузоқларни шу ернинг ўзидаёқ сўйиб, қонини оқизмасдан еяверишди.

33 — Қаранг, лашкарингиз гўштни қони билан еб, Эгамизга қарши гуноҳ иш қиляпти!* — деб аҳволни Шоулга маълум қилишди.

— Хоинлик қилдингизлар, ҳозироқ катта бир тошни бу ерга юмалатиб олиб келинглар! — деди Шоул. 34 Сўнг қўшиб қўйди:

— Лашкар орасида юриб айтинглар, ҳар бир одам молини, қўйини менинг ҳузуримга олиб келиб, шу ерда* сўйиб, есин. Гўштни қони билан еб, Эгамизга қарши гуноҳ иш қилманглар.

Ўша куни кечаси ҳар бир одам молини олиб келиб, Шоулнинг олдида сўйди. 35 Шоул Эгамизга атаб бир қурбонгоҳ қурди. Бу Шоулнинг Эгамизга атаб қурган илк қурбонгоҳи эди.

36 Кейин Шоул одамларига айтди:

— Қани, шу кеча Филистларни бир қувайлик. Тонг отгунча молларини тортиб оламиз, бирортасини соғ қолдирмаймиз.

— Бир оғиз сўзингиз, — деб жавоб беришди одамлар.

— Аввал Худонинг хоҳиш–иродасини билайлик*, — деб қолди руҳоний. 37 Шоул Худодан:

— Филистларга ҳужум қилаверайми? Уларни Исроил лашкарининг қўлига тутиб берасанми? — деб сўради. Лекин Худо ўша куни жавоб бермади. 38 Шундан сўнг Шоул деди:

— Исроилнинг ҳамма лашкарбошилари шу ерга келишсин, бугун қандай гуноҳ қилинганини билиб оламиз. 39 Исроилга нажот берадиган Худо шоҳид! Гуноҳ қилган ўғлим Йўнатан бўлиб чиқса ҳам, албатта ўлдирилади.

Бирон кимсадан садо чиқмади. 40 Шоул ўз одамларига буюрди:

— Сизлар бир томонда туринглар, ўғлим Йўнатан билан мен бошқа томонда турамиз.

— Бир оғиз сўзингиз, — деб жавоб берди одамлар.

41 Шоул Исроил халқининг Худоси — Эгамизга:

— Эй Эгам! Айбсизни ўзинг оқла! — деб илтижо қилди.

Сўнг қуръа ташланди*, қуръа Йўнатан билан Шоулга тушди, одамларнинг ҳаммаси эса оқланди.

42 — Энди мен билан ўғлим Йўнатан орасига қуръа ташланг, — деди Шоул. Бу сафар қуръа Йўнатанга тушди. 43 Шоул Йўнатандан:

— Менга айт–чи, нима қилдинг? — деб сўради.

— Мен қўлимдаги таёқнинг учини асалга ботириб олиб, озгина татиб кўрган эдим, энди мен ўлимимга розиман, — деб жавоб берди Йўнатан.

44 — Йўнатан, агар сени ўлдиртирмасам, Худонинг қаҳрига учрай, ҳатто ундан

баттарроғига учрай, — деди Шоул. 45 Аммо одамлар Шоулга эътироз билдирди:
— Исроилни улуғ зафарга эриштирган Йўнатанни ўлдирмоқчимисиз? Асло! Худо шоҳид! Сочининг бир толасига ҳам зарар етмайди. У бугун нима қилган бўлса, Худонинг мадади билан қилди.
Шундай қилиб, одамлар Йўнатанни ўлимдан қутқариб қолди.
46 Шундан сўнг Шоул Филистларни таъқиб қилмади. Филистлар эса ўз ерларига қайтиб кетишди.

Шоулнинг эришган ғалабалари

47 Шоул Исроил шоҳи бўлгандан кейин атрофидаги барча душманлари — Мўаб, Оммон, Эдом халқлари, Зўво шоҳлари ва Филистлар билан уруш қилди. Қаерга борса, ғалаба қилди. 48 Мардона жанг қилиб Омолек халқини мағлуб қилди, Исроил халқини талончиларнинг қўлидан халос қилди.

Шоулнинг оиласи

49 Шоулнинг Йўнатандан бошқа Ишбосит* ва Малкишува исмли ўғиллари бор эди. Унинг икки қизи ҳам бўлиб, каттасининг исми Мерав, кичкинасиники Михал эди. 50 Хотини Охинавам эди. У Охимас деганнинг қизи эди. Шоулнинг амакиси Нарнинг ўғли Абнур лашкарбоши эди. 51 Абнурнинг отаси Нар ва Шоулнинг отаси Киш ака–ука эдилар. Нар ва Кишнинг отаси Абил эди.
52 Шоул даврида Филистлар билан доимо қақшатқич уруш бўлар эди. Шоул қаерда мард ёки жанг қилишга моҳир одамни кўрса, ўз қўшинига оларди.

15–БОБ

Омолек халқи билан жанг

1 Бир куни Шомуил Шоулга шундай деди:
— Эгамиз сенга мой суртиб, Ўз халқи Исроилнинг шоҳи қилиш учун мени сенинг олдингга юборган эди. Энди Эгамизнинг сўзларини эшит. 2 Сарвари Олам шундай айтмоқда: “Исроил халқига қилган ёвузликлари учун Омолек халқини* жазолайман. Чунки Исроил халқи Мисрдан чиқаётганда, Омолек халқи уларнинг йўлини тўсиб қўйган эди*. 3 Энди бориб, Омолек халқига ҳужум қил. Уларга қарашли ҳамма нарсани тамоман йўқ қилиб ташла, ҳеч нарсасини аяма. Эркагу аёл, бола–чақа, молидан тортиб, қўйигача, туясидан тортиб, эшагигача ҳаммасини ўлдир.”
4 Шоул лашкарини Талойим шаҳрида тўплаб санаб чиқди. Исроилдан 200.000 нафар пиёда сипоҳи, Яҳудодан ҳам 10.000 нафар сипоҳи бор экан.
5 Шоул Омолек халқига қарашли бўлган шаҳарга бориб, сойликда* пистирма қўйди. 6 Ўша ердаги Хайин халқига қуйидаги хабарни жўнатди: “Энди кетинглар, Омолек халқини тарк этинглар, тағин сизларни ҳам улар билан бирга йўқ қилиб юбормайин. Исроил халқи Мисрдан чиқаётган пайтда, сизлар бизга яхшилик қилгандингиз.”
Шундан кейин Хайин халқи Омолек халқини тарк этди.
7 Шоул Хавиладан Мисрнинг шарқидаги Шургача бўлган жойлардаги Омолек халқини тор–мор қилди. 8 У Омолек шоҳи Ўгахни тириклайин қўлга олиб, халқини бутунлай қириб ташлади. 9 Шоул ва унинг одамлари Ўгахни ҳамда унинг энг яхши қўй–молларини, бузоқ–қўзиларини, жамики яхши нарсаларини аяб, сақлаб қолишди. Уларни бутунлай йўқ қилиб ташлашни исташмади. Фақат арзимас, нуқсонли ҳайвонларини йўқ қилишди.

Худо Шоулни рад этади

10 Эгамиз Шомуилга шу сўзларни аён қилди: 11 “Шоулни шоҳ қилиб
тайинлаганимга пушаймонман. У Мендан юз ўгирди, амрларимни бажо қилмади.”
Шомуил хафа бўлиб, тун бўйи Эгамизга ёлвориб чиқди.
12 Шомуил эртаси куни саҳарда, Шоул билан кўришай деб борса, Шоул Кармил
шаҳрига* кетибди. Билсаки, у ерда ўзига бир ёдгорлик ўрнатибди. Кейин
Гилгалга қайтибди. 13 Шомуил Шоулнинг олдига келганда, Шоул:
— Худо сизни ёрлақасин! Мен Эгамизнинг амрини адо этдим, — деди.
14 — Агар шундай бўлса, қулоғимга эшитилаётган қўйнинг маъраши нимаси?
Мен эшитаётган сигирнинг бўкириши нимаси? — деб сўради Шомуил.
15 — Одамларим Омолек халқининг ҳайвонларини тортиб олди, — деди Шоул,
— Эгангиз Худога қурбонлик қилиш учун қўй, сигирларнинг энг сараларини аяб,
сақлаб қолишди. Қолганларини эса бутунлай қириб ташладик.
16 — Шошмай тур, бу кеча Эгамизнинг менга нималар айтганини сенга
билдириб қўяйин, — деди Шомуил.
— Айтинг, — деди Шоул.
17 Шомуил гапида давом этди:
— Ўзингни кичик деб санасанг–да, Исроил халқининг йўлбошчиси
бўлмадингми?! Эгамиз сенга мой суртиб танлаб, Исроилга шоҳ қилмадими?! 18 У
сенга: “Бор, ўша гуноҳкор Омолек халқини бутунлай қириб ташла, ҳаммасини
йўқотмагунингча, улар билан жанг қил”, деб амр берган эди–ку. 19 Нега энди
Эгамизнинг амрига итоат этмадинг?! Нима учун ўлжага ташланиб, Эгамиз олдида
қабиҳлик қилдинг?!
20 — Ахир, мен Унинг амрларига итоат қилдим–ку! — деди Шоул. — Мен,
Эгамиз амр берганидай, бордим. Омолек шоҳи Ўгахни бу ерга олиб келдим.
Омолек халқини эса бутунлай қириб ташладим. 21 Одамларим қириб ташланиши
керак бўлган ўлжадан фақат энг сара мол–қўйларни олишди, холос. Бу
мол–қўйларни Гилгалга олиб келиб, Эгангиз Худога қурбонлик қилишмоқчи.
22 Шомуил шундай жавоб берди:

“Куйдириладиган ва бошқа қурбонликлардан кўра,
Эгамиз итоат этганлардан шод бўлмасми?!
Ҳа, итоат этиш — қурбонлик сўйишдан яхши,
Худога итоаткорлик — қўчқорлар ёғидан аълороқдир.
23 Ўзбошимчалик сеҳр–жодуга ўхшаб гуноҳдир,
Итоатсизлик эса бут–санамга бош эгиш билан тенгдир.
Сен Эгамизнинг амрини рад этдинг,
Эгамиз ҳам сенинг шоҳлигингни рад этди.”

24 — Гуноҳ қилдим! — деди Шоул. — Ҳа, Эгамизнинг амрига ҳам, сизнинг
сўзларингизга ҳам хилоф иш тутдим. Халқдан ҳайиққаним учун уларнинг гапига
кирдим. 25 Энди ёлвораман: гуноҳимдан ўтинг, мен билан бирга қайтиб боринг,
Эгамизга сажда қилайин.
26 — Сен билан бормайман, — деди Шомуил. — Чунки сен Эгамизнинг амрини
рад этдинг, Эгамиз ҳам сени рад этиб, Исроил тахтидан туширди.
27 Шомуил бурилиб, кетмоқчи бўлган эди, Шоул унинг ридоси этагидан ушлаб
қолди. Ридо йиртилди.
28 — Ридо йиртилгани сингари, Эгамиз ҳам бугун Исроил шоҳлигини
қўлингдан тортиб олиб, сендан кўра, яхшироғига берди, — деди Шомуил. 29 —
Исроилнинг улуғвор Худоси ёлғон сўзламас, фикрини ҳам ўзгартирмас. У инсон

эмаски, фикрини ўзгартирса.
30 — Гуноҳ қилдим, — деди Шоул, — энди халқимнинг оқсоқоллари олдида,
Исроил халқи олдида мени беобрў қилманг. Шунинг учун мен билан бирга қайтиб
боринг, Эгангиз Худога сажда қилайин.
31 Шомуил Шоул билан бирга орқага қайтиб борди. Шоул Эгамизга сажда
қилди.
32 Шомуил:
— Омолек шоҳи Ўгахни менинг олдимга олиб келинглар! — деб буюрди.
Ўгахни боғланган ҳолда, Шомуилнинг олдига олиб келишди. Ўгах ўзича: “Ўлим
хавфи аниқ ўтиб кетди”, деб ўйлади. 33 Лекин Шомуил:
— Қиличинг аёлларни фарзандидан қандай жудо қилган бўлса, сенинг онанг
ҳам аёллар орасида бефарзанд бўлсин! — деди–ю, Ўгахни Эгамизнинг олдида
Гилгалда қилич билан чопиб ташлади.
34 Шундан сўнг Шомуил Рамага, Шоул эса Гивога — уйига кетди. 35 Шомуил
умрининг охиригача Шоулни бошқа кўрмади, лекин у Шоулни деб ғамгин бўлиб
юрди. Эгамиз эса Шоулни Исроил шоҳи қилганидан пушаймон эди.

16–БОБ

Эгамиз Довудга мой суртиб шоҳ қилиб танлади

1 Эгамиз Шомуилга айтди:
— Сен қачонгача Шоулни деб ғамгин бўлиб юрасан?! Шоул Исроил шоҳи
бўлмасин деб, уни Мен рад этдим. Қани, энди қўчқор шохини* мой билан
тўлдириб, йўлга отлан. Сени Байтлаҳмлик Эссайнинг уйига жўнатаман. Мен
унинг ўғилларидан биттасини шоҳ қилиб танладим.
2 — Қандай қилиб бораман?! Шоул эшитиб қолса, мени ўлдиради–ку! — деди
Шомуил.
— Ўзинг билан битта бузоқчани олгин–да: “Эгамизга қурбонлик қилгани
келдим”, деб айт, — деди Эгамиз. 3 — Эссайни қурбонликка таклиф қил. Ўшанда
нима қилишинг кераклигини Мен сенга аён қиламан, Ўзим сенга кўрсатадиган
одамнинг бошига Менинг номимдан мой суртиб, уни танлайсан.
4 Шомуил, Эгамиз буюрганидай, Байтлаҳм шаҳрига кетди. Шаҳар оқсоқоллари
уни қўрқиб кутиб олишди ва:
— Тинчликми? — деб сўрашди.
5 — Ҳа, тинчлик, — деди Шомуил. — Эгамизга қурбонлик қилгани келдим.
Ўзларингизни покланглар*, мен билан қурбонлик маросимига борасизлар.
Сўнг Эссайни ва унинг ўғилларини ҳам поклаб қурбонлик маросимига таклиф
қилди.
6 Эссай ўғиллари билан келгач, Шомуил Элиёбни кўрди–ю: “Эгамиз олдида
турган бу одам, шубҳасиз, Унинг мой суртиб танлаган одамидир”, деб ўйлади.
7 Эгамиз эса Шомуилга деди:
— Унинг чиройи ва қоматдорлигига қарама. Мен уни рад этдим, чунки Мен
инсонлардай эмасман. Инсонлар ташқи кўринишига қарайди, Мен эса дилига
қарайман.
8 Сўнг Эссай бошқа ўғли Абунадавни чақириб, Шомуилнинг олдидан ўтказди.
Лекин Шомуил:
— Эгамиз буни ҳам танламади, — деди. 9 Шундан сўнг Эссай Шаммохни
Шомуилнинг олдидан ўтказди. Лекин у яна:
— Эгамиз буни ҳам танламади, — деди.

10 Шу тариқа Эссай еттала ўғлини Шомуилнинг олдидан ўтказди. Аммо Шомуил:

— Эгамиз булардан бирортасини танлаб олмади, — деди.

11 Ниҳоят Шомуил Эссайдан:

— Ўғилларингнинг ҳаммаси шуларми? — деб сўради.

— Яна энг кенжаси бор, қўй боқяпти, — деди Эссай.

— Бирортасини жўнат, уни чақириб келсин, — деди Шомуил. — Ўша ўғлинг бу ерга келмагунча, таом емоққа ўтирмаймиз.

12 Эссай биттасини юбориб, ўғлини чақиртириб келди. У чиройли, келишган йигит бўлиб, кўзлари ёниб турарди.

— Қани, унинг бошига мой суртиб танла! Мен танлаган одам шу! — деди Эгамиз Шомуилга.

13 Шомуил мой солинган шохни олди–да, акаларининг кўз ўнгида йигитнинг бошига мой суртди. Ўша пайтда Эгамизнинг Руҳи Довудни қамраб олди ва ўша кундан бошлаб уни бошқарадиган бўлди. Шомуил эса Рамага қайтиб кетди.

Довуд Шоулнинг саройида

14 Эгамизнинг Руҳи Шоулни тарк этди. Эгамиз юборган ёвуз руҳ уни қийнар эди.

15 — Биламиз, Худо юборган ёвуз руҳ сизни қийнайди, — дейишди хизматкорлар Шоулга. 16 — Жаноби олийлари биз, қулларига амр берсалар, лирани яхши чаладиган одамни топиб келар эдик. Худо юборган ёвуз руҳ сизни тутиб қолганда, у лира чалади, сиз эса енгил тортасиз.

17 Шоул хизматкорларига:

— Майли, лирани яхши чаладиган бирортасини топиб, менинг ҳузуримга олиб келинглар, — деб буюрди.

18 — Байтлаҳмлик Эссайнинг ўғилларидан бирини кўрган эдим, — деди йигитлардан биттаси. — Лирани яхши чалар экан. Бунинг устига, жасур жангчи, гаплари маънили, ўзи ҳам келишган йигит. Эгамиз у билан.

19 Шоул Эссайга: “Қўй боқиб юрган ўғлинг Довудни менинг ҳузуримга юбор”, деб хабарчи жўнатди. 20 Эссай нон, бир меш шароб ва битта улоқчани битта эшакка юклаб бериб, ўғли Довудни Шоулнинг ҳузурига юборди. 21 Довуд Шоулнинг ҳузурига келиб, унинг хизматига кирди. Довудга Шоулнинг қаттиқ меҳри тушиб қолди, уни ўзига қуролбардор қилиб олди. 22 Шоул Эссайга: “Ижозат берсанг, Довуд менинг хизматимда қолсин, ундан жуда мамнунман” деган хабарни жўнатди.

23 Ўша кундан бошлаб Худо юборган ёвуз руҳ Шоулни қийнаганда, Довуд лирани олиб чалар, Шоул ўзига келиб роҳатланар, ёвуз руҳ Шоулдан чекинарди.

17–БОБ

Гўлиёт Исроил халқини олишувга чақиради

1 Филистлар, жанг қиламиз деб, лашкарини тўплаб, Яҳудо ҳудудидаги Сўху шаҳрида йиғилишди. Сўху билан Озикаҳ шаҳарлари* орасидаги Эфес–Даммим деган жойда қароргоҳ қуришди. 2 Шоул ҳам Исроил лашкарини тўплади. Элох водийсида қароргоҳ қуриб, Филистларга қарши жангга тайёрланди. 3 Бир тепаликни Филистлар, бошқа тепаликни Исроил лашкари эгаллади. Иккала томоннинг ўртаси водий эди.

4 Филистлар сафидан Гўлиёт деган бир паҳлавон ўртага чиқди. У Гат шаҳридан эди. Бўйи олти тирсагу бир қарич* бўлиб, 5 бошига бронза қалпоқ, устига бронза

совут кийиб олган эди. Совутнинг оғирлиги уч ярим пуд* эди. 6 Болдирлари
бронза зирҳлар билан ўралган эди. Елкасида отиладиган бронза найзани кўтариб
юрарди. 7 Қўлидаги найзанинг сопи эса тўқувчи дастгоҳининг ходасидай келар,
найза учидаги темирнинг оғирлиги ярим пуд* эди. Гўлиётнинг олдида
қуролбардори унинг катта қалқонини кўтариб юрарди.
8 Гўлиёт ўрнида турганича, Исроил қароргоҳига қараб ҳайқирди:
— Биз билан уришгани саф тортдингизларми?! Мен Филистман, сизлар
Шоулнинг қулларимисиз, ахир?! Орангиздан бирортангизни танланглар–чи, у
менинг олдимга келсин. 9 Агар у мен билан олишиб, мени енгиб ўлдира олса,
Филистлар сизларнинг қулингиз бўлади. Борди–ю, мен ғолиб келиб, уни
ўлдирсам, сизлар бизнинг қулимиз бўласизлар, бизга бўйсунасизлар.
10 Сўнг ўша Филист гапида давом этди:
— Бугун Исроил лашкарини шарманда қиламан. Қани, бирортасини чиқаринг
олдимга! Мен билан олишиб кўрсин!
11 Шоул ва барча Исроил лашкари Филистнинг гапларини эшитгач, қаттиқ
қўрқиб, ваҳимага тушиб қолдилар.

Довуд жанг майдонида

12 Довуд Яҳудо ҳудудидаги Байтлаҳм шаҳридан — Эфратлик* Эссай деган
одамнинг ўғли эди. Эссайнинг саккизта ўғли бор эди. Шоулнинг шоҳлиги даврида
Эссай анча кексайиб қолган эди. 13 Эссайнинг катта ўғилларидан учтаси Шоул
билан бирга урушга кетган эди. Урушга кетган тўнғич ўғлининг оти Элиёб,
ўртанчасиники Абунадав, учинчисиники Шаммох эди. 14 Довуд кенжа ўғил эди.
Унинг учта катта акаси эса Шоул билан бирга эди. 15 Шу пайтда Довуд
вақти–вақти билан Шоулнинг олдидан Байтлаҳмга отасининг қўйларини
боққани келиб турарди. 16 Филист Гўлиёт қирқ кун мобайнида эртаю кеч ўртага
чиқиб урушга даъват қилди.
17 Эссай бир куни ўғли Довудга шундай деди:
— Мана бу қовурилган бир тоғора* буғдой билан анави ўнта нонни олгин–у,
тезда қароргоҳга, акаларингнинг олдига жўна. 18 Мана бу ўн бўлак пишлоқни эса
мингбошига олиб бор. Акаларингнинг аҳволини бил ва яхши юрганларини
билдирадиган бирорта нишона олиб кел. 19 Акаларинг Шоул лашкари билан бирга
Элох водийсида Филистларга қарши уришяптилар.
20 Эртаси куни Довуд саҳарда турди. Сурувни бир чўпонга қолдирди. Отаси
буюрганидай, озиқ–овқатларни олиб йўлга чиқди. Жанг майдонига етиб борган
пайтда сипоҳлар жангга даъват қилиниб, қароргоҳдан уришгани чиқаётган
эканлар. 21 Исроил лашкари билан Филистлар бир–бирларига рўпара бўлиб, саф
тортдилар. 22 Довуд келтирган нарсаларини орқадаги қўриқчига қолдириб, сафга
томон югурди. Акаларининг ёнига бориб, улар билан саломлашди. 23 Довуд улар
билан гаплашиб турганда, Гат шаҳридан бўлган Филист — паҳлавон Гўлиёт ўз
лашкари сафидан ўртага чиқиб, олдинги гапларини такрорлади. Довуд унинг
гапларини эшитди. 24 Исроил лашкари Гўлиётни кўришди–ю, қаттиқ қўрқиб
бирданига қочиб қолишди. 25 Улар бир–бирларига шундай дердилар:
— Анави одамга қаранглар! У Исроилни ҳақорат қиляпти. Ким уни ўлдирса,
шоҳ унга катта бойлик ҳадя қилар экан, қизини ҳам берар экан. Ўша одамнинг ота
хонадонини ҳам Исроилга солиқ тўлашдан озод қилар экан.
26 Довуд ёнидагилардан сўради:
— Бу Филистни ўлдириб, Исроилни шармандаликдан халос қилганга шоҳ
нима беради? Бу суннатсиз Филист ким бўлибдики, барҳаёт Худонинг қўшинини
ҳақорат қилади?!

27 — Ўша одамни ким ўлдирса, фалон–фалон нарсалар тортиқ қилинади, — деб
сипоҳлар олдинги гапларини такрорладилар. 28 Тўнғич акаси Элиёб Довуднинг
сипоҳлар билан гаплашиб турганини кўриб аччиқланди:
— Бу ерда нима қилиб юрибсан? Ўша беш–олтитагина қўйимизни чўлда кимга
қолдириб келдинг? Сенинг қанчалик манманлигингни, ниятинг ёмонлигини
биламан. Сен фақат урушни томоша қилгани келгансан.
29 — Мен нима қилибман?! Сўраб ҳам бўлмайдими?! — деди Довуд.
30 Сўнгра бошқа сипоҳга қараб, яна ўша гапни сўради. Сипоҳлар аввалгидай
бир хил жавоб беришди.
31 Сипоҳлар Довуднинг гапларини эшитиб, Шоулга етказишди. Шоул Довудни
чақиртирди. 32 Довуд Шоулга деди:
— Ўша Филистни деб ҳеч кимнинг руҳи тушмасин. Мен, қулингиз, бориб, у
билан олишаман.
33 — Тентаклик қилма, бу Филистга бас келолмайсан. Сен жуда ёшсан, у эса
ёшлигидан бери жангчи, — деди Шоул.
34 — Мен отамнинг сурувини боқардим, — деб жавоб берди Довуд. — Шер ёки
айиқ келиб, сурувдан бирорта қўзини олиб қочса, 35 орқасидан қувиб, унга ҳужум
қилардим. Қўзини ўша ҳайвоннинг оғзидан тортиб олардим. Борди–ю, шер ёки
айиқ менга ташланса, ёлидан ушлардим–у, уриб ўлдирардим. 36 Мен шерни ҳам,
айиқни ҳам ўлдирганман. Анави суннатсиз Филистнинг бошига ўшандай кунни
соламан. Чунки у барҳаёт Худонинг қўшинини ҳақорат қилди. 37 Мени шер,
айиқнинг панжасидан халос қилган Эгамиз ўша Филистнинг қўлидан ҳам халос
қилади.
— Майли бор, Худо ёр бўлсин, — деди Шоул. 38 Сўнг у ўзининг жанг
кийимларини Довудга берди, бошига бронза қалпоқ, эгнига совут кийдирди.
39 Довуд шоҳнинг совутларини кийиб, устидан қиличини боғлаб, юрмоқчи бўлди.
Лекин у бунақа кийимларга кўникмаган эди.
— Бу кийимлар билан юра олмаяпман, кўникмаганман, — деди Довуд Шоулга.
Сўнг кийимларни ечиб ташлади.

Довуд Гўлиётни ўлдиради

40 Довуд таёғини олиб, сойликдаги ирмоқдан бешта силлиқ тош териб олди.
Тошларни ёнидаги чўпон халтасига солди–да, палахмонини олиб тўғри Гўлиётга
томон юрди. 41 Гўлиёт ҳам Довудга қараб юрди. Гўлиётнинг олдида қуролбардори
қалқонини кўтариб борарди. 42 Гўлиёт Довудга бошдан–оёқ разм солди. Чиройли,
келишган йигит экан, деб ёшгина бўлгани учун уни менсимади.
43 — Мен кўппакмидимки, устимга таёқ билан келяпсан? — деди–да, ўз
худоларининг номи билан Довудга қарғиш ёғдирди. 44 — Келавер, танангни
кўкдаги қушларга, даштдаги йиртқичларга ем қиламан, — деди Филист. 45 Довуд
эса шундай жавоб қайтарди:
— Сен қилич, найзаю ханжарлар билан устимга бостириб келяпсан. Мен эса
сен ҳақоратлаган Исроил лашкарининг Худоси, Сарвари Оламнинг номи билан
қуролланиб устингга бостириб боряпман. 46 Бугуннинг ўзида Эгамиз сени менинг
қўлимга беради. Сени ўлдириб, бошингни танангдан жудо қиламан. Бугуннинг
ўзида Филист лашкарининг жасадларини кўкдаги қушларга, даштдаги
йиртқичларга ем қиламан. Шунда Исроилда Худонинг борлигини бутун ер юзи
билиб олади. 47 Эгамиз қиличу найза билан нажот бермаслигини бутун жамоа
билиб олади, чунки бу урушда Эгамизнинг Ўзи жанг қилади. У сизларни бизнинг
қўлимизга беради.
48 Гўлиёт Довудга ташланмоқчи бўлиб, тўғри унга қараб юрди. Довуд ҳам у

билан олишиш учун Филистлар сафи томон тез югуриб кетди. 49 Қўлини халтасига солиб, битта тошни олди–да, палахмонга солиб отди. Тош Филистнинг қоқ пешанасига тегиб ўйиб кирди. Филист юз тубан ерга йиқилди. 50 Шундай қилиб, Довуд Филистни палахмону битта тош билан мағлуб қилди. Қўлида қилич бўлмаса ҳам, уни ўлдириб, ерга чўзилтириб ташлади. 51 Сўнг югуриб борди–ю, Гўлиётни босиб олди. Унинг қиличини қинидан суғуриб олди–да, бошини кесиб ташлаб, бутунлай бир ёқли қилди.

Филистлар ўзларининг паҳлавони Гўлиётнинг ўлганини кўриб, тумтарақай қоча бошладилар. 52 Исроил билан Яҳудо лашкари қўзғалди–ю, наъра тортиб, Филистларни Гат ва Эхрон остоналаригача қувлаб борди. Шарайимдан Гат ва Эхрон шаҳарларигача борадиган йўлда Филистларнинг жасадлари чўзилиб қолди. 53 Филистларни қувиб юборгандан кейин, Исроил лашкари орқага қайтиб Филистлар қароргоҳини талон–тарож қилди. 54 Довуд Гўлиётнинг бошини олиб, Қуддусга келтирди, қурол–аслаҳасини эса ўз уйига қўйди.

Довуд Шоулнинг ҳузурида

55 Шоул Довуднинг Гўлиёт билан олишувга чиққанини кўрганда, лашкарбоши Абнурдан:

— Абнур, бу йигитча ким? — деб сўради.

— Тўғриси, шоҳим, билмайман, — деди Абнур.

56 — Бўлмаса бил–чи, бу йигит кимнинг ўғли экан, — деб буюрди шоҳ Шоул.

57 Довуд Гўлиётни ўлдириб, қароргоҳга энди кирган ҳам эдики, Абнур Довудни етаклаб Шоулнинг ҳузурига олиб келди. Гўлиётнинг кесилган боши ҳали Довуднинг қўлида эди.

58 — Кимнинг ўғлисан, йигитча? — деб сўради Шоул.

— Байтлаҳмлик қулингиз Эссайнинг ўғлиман, — деб жавоб берди Довуд.

18–БОБ

1 Шоул билан Довуднинг суҳбати энди тугаган ҳам эдики, Йўнатаннинг* кўнгли Довудга боғланди, Йўнатан уни ўз жони каби азиз кўрди. 2 Ўша кундан бошлаб Шоул Довудни ёнида олиб қолди, отасининг уйига қайтиб кетишига ижозат бермади. 3 Йўнатан Довудни ўз жонидай азиз кўргани учун у билан аҳд қилди. 4 Устидаги кийимини ечиб берди, совути, қиличи, камони ва камарини ҳам Довудга ҳадя қилди.

5 Шоул Довудни қаерга жўнатмасин, Довуд муваффақиятга эришди. Шу боис Шоул унга қўшинидаги катта лавозимни берди. Бу воқеадан барча халқ ҳам, Шоулнинг хизматкорлари ҳам хушнуд бўлишди.

Шоул Довудга ҳасад қилади

6 Довуд Гўлиётни ўлдиргандан кейин, жангчилар ўз уйларига қайтаётган эди. Исроилнинг ҳамма шаҳарларидан келган аёллар чилдирма ва торли мусиқа асбобларини чалиб, ўйин–кулги қилиб, шоҳ Шоулни кутиб олгани чиқишди. 7 Яйраб–ўйнашаркан, шу қўшиқни айтишарди:

“Шоул мингларчасини ўлдирди,
Довуд эса ўн мингларчасини!”

8 Бу сўзлар Шоулга оғир botди, унинг ғашини келтирди. “Довудга ўн мингтасини, менга эса мингтасини беришди! Унга шоҳ бўлишдан бошқа яна нима қолди?!” деб ўйлади. 9 Шундай қилиб, ўша кундан бошлаб Шоул Довудга ёмон кўз

билан қарай бошлади.
10 Эртаси куни Худо юборган ёвуз руҳ Шоулни қамраб олди, у ўз уйида
жазавага тушди. Довуд ҳар галгидай яна лира чалиб ўтирар, Шоулнинг қўлида
найза бор эди. 11 У ўзича: “Довудни найза билан уриб деворга қоқиб қўяман”, деб
найзани унга қаратиб отди. Лекин Довуд икки сафар ҳам унга чап бериб қутулиб
қолди.
12 Шоул Довуддан қўрқарди. Чунки Эгамиз Довуд билан бирга эди, Шоулни эса
тарк этган эди. 13 Шу сабабли Шоул ўз ёнидан Довудни узоқлаштирди, уни мингта
сипоҳга бош этиб тайинлади. Довуд лашкарга бош бўлиб, жангга борарди.
14 Эгамиз Довуд билан бўлгани учун, у ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқарди.
15 Довуднинг катта муваффақиятини кўриб, Шоул баттарроқ қўрқарди. 16 Бутун
Яҳудо ва Исроил халқи Довудни яхши кўрарди, чунки Довуд уларнинг олдинги
сафида юриб, жангга борарди.

Довуд Шоулнинг қизига уйланади

17 Бир кун Шоул Довудга деди:
— Тўнғич қизим Меравни сенга бераман. Фақат довюрак бўлиб, мен учун
Эгамизнинг урушларига бош бўл.
Шоул: “Довуд менинг қўлим билан эмас, Филистларнинг қўли билан
ўлдирилсин”, деб ўйларди.
18 Довуд Шоулга:
— Мен ўзим ким бўлибман, ёки Исроилда оилам, отам хонадони нима
бўлибдики, шоҳга куёв бўлсам?! — деди.
19 Шундай қилиб, Шоулнинг қизи Мерав Довудга узатиладиган бўлди. Лекин
Шоул қизини, Довудга бермай, Махлалик Одриёлга узатди. 20 Шоулнинг бошқа
қизи Михал эса Довудга кўнгил қўйган эди. Буни эшитган Шоул хурсанд бўлди.
21 “Довудга Михални бераман, қизимни бериб, Довудни тузоғимга илинтириб
оламан, Филистлар эса уни ўлдиради”, деб ўйлади.
— Энди бу сафар қулай фурсат етди, менга куёв бўласан, — деди Довудга
Шоул.
22 Кейин Шоул аъёнларига:
— Довудга, шоҳ сендан хурсанд, ҳамма хизматкорлари ҳам сени яхши кўради,
шоҳга куёв бўладиган пайтинг келди, деб яширинча айтинглар, — деди.
23 Шоулнинг аъёнлари бу гапни Довудга етказишди. Довуд эса шундай жавоб
қайтарди:
— Мен камбағал, арзимас бир одам бўлсам, шоҳга куёв бўлиш, сизлар
айтгандай, осонми?!
24 Аъёнлар, ўз навбатида, Довуднинг гапларини Шоулга етказишди. 25 Шоул
шундай амр берди:
— Довудга, шоҳ ғанимларидан ўч олмоқчи, шунинг учун қалинга юзта
Филистнинг суннат терисидан* бошқа нарса истамайди, деб айтинглар.
Шоул шу йўсинда Довуднинг Филистлар қўлига тушиб нобуд бўлишини
режалаштирган эди.
26 Аъёнлар Шоулнинг айтганларини Довудга етказишди. Довуд, ўшанда шоҳга
куёв бўлишга ҳақли бўлар эканман–да, деб севинди. Белгиланган кундан олдин,
27 Довуд ва унинг одамлари бориб, икки юзта Филистни ўлдирди. Довуд
ўлдирилган Филистларнинг суннат терисини битта ҳам қолдирмай, шоҳга
келтириб бериб, шоҳнинг куёви деган номга муносиб ишларни бажарди. Шундан
сўнг Шоул қизи Михални Довудга турмушга берди.
28 Шоул энди аниқ билдики, Эгамиз Довуд билан бирга экан, қизи Михал ҳам

Довудни севар экан. [29] Шундай қилиб, Довуддан янада ҳадиксираб, умрининг охиригача унга душман бўлиб қолди.

[30] Филист беклари қачон ҳужум қилсалар, Довуд Шоулнинг бошқа лашкарбошиларига қараганда ортиқ зафарга эришарди. Шу сабабдан Довуд катта шуҳрат қозонди.

19–БОБ

Шоул Довудни ўлдиришни режалаштиради

[1] Шоул ҳамма аъёнларига ва ўғли Йўнатанга, Довуд ўлдирилсин, деб фармон берди. Йўнатан эса Довудни жуда яхши кўрарди.

[2] — Отам Шоул сени ўлдирмоқчи, — деб у Довудни огоҳлантирди. — Эртага тонг пайти ҳушёр бўл, бирор жойга бориб яшириниб, жим ўтир. [3] Мен эса отамни сен яширинган далага бошлаб бораман. Ўша ерда сен тўғрингда у билан гаплашаман. Бирор хабар эшитсам, сенга етказаман.

[4] Йўнатан отаси Шоулга Довудни мақтаб шу гапларни айтди:

— Шоҳ ўз қули Довудга қарши гуноҳ қилмасинлар. Чунки у сизга ҳеч қачон ҳақсизлик қилмаган. Ҳар бир иши билан сизга катта фойда келтирган. [5] Жонини хавф остига қўйиб, Филистни ўлдирди, Эгамиз Довуд туфайли Исроил халқини катта зафарга эриштирди. Сиз буларни кўриб севиндингиз. Шундай экан, нега Довудни бекордан–бекорга нобуд қилмоқчисиз, бегуноҳнинг қонини тўкиб гуноҳ қилмоқчисиз?

[6] Шоул Йўнатаннинг гапларини англаб:

— Худо шоҳид! Довуднинг жонига ҳеч ким қасд қилмайди, — деб онт ичди.

[7] Йўнатан Довудни чақиртириб келди ва бўлиб ўтган гап–сўзларни айтиб берди. Сўнг Довудни Шоулнинг ёнига бошлаб борди. Довуд эса илгаригидай шоҳга хизмат қилишни давом эттирди.

[8] Шу орада яна уруш аланга олди. Довуд урушга кетди, у Филистлар билан жанг қилиб, уларга шундай қаттиқ зарба бердики, охири Филистлар Довуднинг олдига тушиб қочиб қолишди.

[9] Бир куни Шоул, найзаси қўлида, уйида ўтирарди, Довуд эса лира чалаётган эди. Шу пайт Эгамиз юборган ёвуз руҳ Шоулни чулғаб олди. [10] Шоул найзаси билан Довудни деворга михлаб қўймоқчи бўлди, лекин Довуд чап бериб қолди. Шоулнинг найзаси деворга санчилиб қолди. Ўша тун Довуд яна қочиб қутулди.

[11] Шоул Довудни эрта тонгда тутиб ўлдирмоқчи бўлди, кузатиб туринглар, деб унинг уйига одамларини жўнатди. Хотини Михал Довудга:

— Бу кеча қочиб қутулмасангиз, эрта тонгда сизни ўлдиришади, — деди.

[12] Шундай қилиб, Довудни деразадан чиқариб юборди. Довуд қочиб қутулди.

[13] Михал бутни* олиб, тўшакка ётқизди, бош томонига эса эчки жунидан қилинган ёстиқ ташлади, устини кўрпа билан ёпди. [14] Шоул юборган одамлар Довудни тутиб олиб кетишга келишди.

— Довуд касал, — деди Михал уларга.

[15] Сўнг Шоул одамларини яна жўнатиб:

— Довудни ўз кўзларингиз билан кўринглар, уни тўшаги билан бу ерга олиб келинглар, ўлдираман, — деб буюрди.

[16] Шоулнинг одамлари уйга кирдилар. Қарасалар, тўшакда бут, бутнинг бош томонида эчки жунидан қилинган ёстиқ турибди.

[17] — Нимага мени алдаб, ғанимимни қочириб юбординг? — деб сўради Шоул Михалдан.

— Довуд: “Қўйиб юбор мени, бўлмаса, сени ўлдираман”, деди, — деб жавоб берди Михал.

18 Қочиб қутулган Довуд Рамада яшаётган Шомуилнинг ёнига кетди. Шоул унга нима қилган бўлса, ҳаммасини Шомуилга айтиб берди. Кейин Шомуил билан бирга Нойўт маҳалласига бориб, ўша ерда қолди. 19 Довуд Раманинг Нойўт маҳалласида экан деган хабар Шоулга етиб келди. 20 Шоул: “Довудни тутиб келинглар”, деб одамларини ўша ерга юборди. Улар Шомуил бошчилигидаги пайғамбарлар гуруҳининг жўшиб зикр тушаётганини кўришди. Шу пайт Худонинг Руҳи Шоулнинг одамларини ҳам қамраб олди ва улар ҳам жўшиб зикр тушдилар.

21 Шоул бўлиб ўтган воқеаларни эшитгач, бошқа одамларини юборди. Бу юборилганлари ҳам жўшиб зикр тушдилар. Шоул учинчи бор яна одамларини жўнатди, улар ҳам жўшиб зикр тушдилар.

22 Охири Шоулнинг ўзи Рамага қараб йўл олди. Сахудаги катта сардоба бўйига бориб:

— Шомуил билан Довуд қаерда? — деб сўради.

— Рамадаги Нойўт маҳалласида, — деди биттаси.

23 Шоул Рамадаги Нойўт маҳалласига кетаётганда, Худонинг Руҳи уни ҳам қамраб олди. Нойўтга боргунча йўлма–йўл жўшиб зикр тушиб кетди.
24 Кийимларини ечиб ташлаб, Шомуилнинг олдида ҳам жўшиб зикр тушди. Ерга йиқилганича, бир кеча–кундуз яланғоч аҳволда ётиб қолди. “Наҳотки Шоул ҳам пайғамбар бўлса?!”* деган матал ана шундан қолган.

20–БОБ

Йўнатан Довудга ёрдам беради

1 Довуд Рамадаги Нойўт маҳалласидан қочиб, Йўнатаннинг олдига келди.

— Мен нима қилибман? Айбим нима? Отангга қарши нима гуноҳ иш қилибманки, мени ўлдирмоқчи бўлади? — деди Довуд унга.

2 — Худо сақласин, ўлмайсан! — деди Йўнатан. — Отам мени хабардор қилмай, хоҳ муҳим бўлсин, хоҳ муҳим бўлмасин, бирор иш қилмайди. Нимага энди буни мендан яширсин?! Ҳеч нарса бўлмайди.

3 Довуд яна онт ичиб деди:

— Сен мени яхши кўрасан, буни отанг ҳам яхши билади. Йўнатан нима қилишимни билмай қўя қолсин, акс ҳолда, азоб чекади, деб ўйлайди. Худо шоҳид! Тўғрисини айтсам, жар ёқасида турибман.

4 — Тила тилагингни, сен учун бажо келтираман, — деди Йўнатан.

5 — Қара, эртага янги ой шодиёнаси бўлади, — деди Довуд. — Шоҳ билан бирга дастурхонда ўтиришим керак*. Лекин менга ижозат бер, индин кечгача далада яшириниб юрай. 6 Агар отанг йўқлигимни сезиб қолса, унга шундай дейсан: “Довуд шошилинч ўз шаҳри Байтлаҳмга кетадиган бўлиб қолди, мендан қаттиқ туриб илтимос қилди. У ерда бутун уруғ–аймоғи йиллик қурбонлик маросими ўтказар экан.” 7 Отанг “яхши” деса, демак, бу қулингга хавф–хатар йўқ. Агар ғазабланса, билгинки, менга зарар етказишга қатъий қарор қилган. 8 Эгамиз олдида аҳд қилгансан–ку! Энди менга содиқ қол. Агар айбдор бўлсам, мени ўзинг ўлдир! Мени отангнинг ҳузурига олиб боришингга на ҳожат?!

9 — Худо сақласин! — деди Йўнатан, — отам сенга ёмонлик қилмоқчи бўлганини билганимда, сенга айтмасмидим?!

10 — Отанг сенга дағал жавоб берса, ким менга билдиради? — деб сўради

Довуд.
11 — Юр, далага чиқайлик, — деди Йўнатан.
Икковлари далага кетишди. 12 Йўнатан гапида давом этиб, Довудга деди:
— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шоҳид бўлсин! Эрта ё индинга худди шу вақтгача отамнинг ниятини ўсмоқчилаб билиб оламан. Отам сенга мойиллик билдирса, албатта хабар юбораман. 13 Борди–ю, отам сени ўлдирмоқни ният қилган бўлса–ю, сени хабардор қилмасам, бехатар кетишингни таъминламасам, Эгам мени ёмон кўйга солсин, ҳатто ундан ҳам баттарроғини қилсин! Эгам, илгари отам билан бўлганидай, доимо сен билан бўлсин. 14 Агар мен тирик бўлсам, Эгамизга ўхшаб ваъдангда тур, менга содиқ бўл. Агар ўлсам, 15 Эгамиз душманларингни йўқ қилганда, менинг хонадонимдан садоқатингни дариғ тутмагин.
16 Йўнатан Довуд хонадони билан аҳд тузди ва:
— Эгамиз ҳамма душманларингни қириб ташласин, — деди.
17 Йўнатан Довудни жонидан ҳам ортиқ яхши кўрарди. У: “Менга бўлган дўстона севгингни тасдиқлагин”, деб Довудга яна бир бор онт ичирди.
18 — Эртага янги ой шодиёнаси бўлади, — деди Йўнатан Довудга. — Ўрнинг бўш қолади, йўқлигинг билинади. 19 Индинга дарҳол пастга туш, олдинги сафар яширинган жойингга бориб яширин. Эзел деган тошнинг ёнида кутиб тур. 20 Мен мўлжаллаб ўша тош томонга учта ўқ отаман. 21 Кейин хизматкоримни: “Бор, ўқларни топиб кел”, деб жўнатаман. Агар унга: “Қара, ўқлар орқангда, уларни олиб бу ёққа қайт”, деб айтсам, сен уйингга қайтиб боргин. Демак, ҳеч қандай хавф–хатар йўқ. Худо шоҳид, сен тинч–омон бўласан. 22 Агар хизматкоримга: “Қара, ўқлар олдингда”, десам, сен кетгин. Демак, Эгамиз кетишингни хоҳлаган бўлади. 23 Бир–биримизга қилган аҳдимизга Эгамиз абадий шоҳид бўлсин.
24 Шундай қилиб, Довуд далада яшириниб олди. Янги ой чиққани муносабати билан байрам бошланганда, шоҳ Шоул келиб, байрам дастурхонига ўтирди. 25 У одатдагидай, девор ёнидаги ўриндиқдан жой олди. Йўнатан Шоулнинг рўпарасидан*, Абнур эса унинг ёнидан ўз жойларини эгаллашди. Довуднинг ўрни бўш қолди. 26 Аммо Шоул ўша куни ҳеч нарса демади. Бирор тасодиф бўлса керак, Довуд ҳаром бўлган–у, ювинмагандир*, деб ўйлади. 27 Эртасига, янги ой шодиёнасининг иккинчи куни Довуднинг жойи яна бўш қолди. Шоул ўғли Йўнатандан сўради:
— Эссайнинг ўғли нимага кеча ҳам, бугун ҳам таомга келмади?
28 — Довуд Байтлаҳмга кетмоқчи экан, мендан қаттиқ илтимос қилди, — деб жавоб берди у. 29 — “Илтимос, ижозат берсанг, оиламиз ўша шаҳарда қурбонлик қилади. Акам, ўша ерда бўл, деб буюрди. Менга илтифот кўрсатсанг, бориб, акаларимни кўриб келсам”, деди. Шу важдан шоҳнинг дастурхонига кела олмади.
30 Шоул ғазабланиб, Йўнатанга бақирди:
— Сен, ярамас, суюқоёқ хотиннинг боласи, у билан дўстлашганингни билмасмидим?! Бу қилиғинг билан ўзингни ҳам, сени туққан онангни ҳам иснодга қолдирдинг–ку. 31 Эссайнинг ўғли ер юзида яшар экан, на ўзинг, на шоҳлигинг сақланиб қолади. Энди бирорта одамни жўнатиб, уни менинг олдимга чақиртириб кел. Уни ўлим кутяпти.
32 — Нега у ўлдирилар экан? У нима қилди? — деди Йўнатан отасига.
33 Шоул Йўнатанни ўлдирмоққа шайланиб, найзасини унга қаратиб отди. Йўнатан тушундики, отаси Довудни ўлдирмоққа қатъий қарор қилган экан.
34 Йўнатан дарғазаб бўлиб дастурхондан турди, янги ой шодиёнасининг иккинчи куни ҳеч нарса емади. Отаси Довудни бу қадар ҳақорат қилганига хафа бўлди.

35 Эрталаб Йўнатан Довуд билан кўришмоқ учун далага кетди. Ёнига бир
кичкина болани олди. 36 Йўнатан болага:
— Югур, мен отган ўқларни қидир! — деди.
Бола югуриб кетди. Йўнатан боланинг олд томонига бир ўқ отди.
37 Йўнатаннинг ўқи тушган ерга бола етиб борган ҳам эдики, у:
— Ўқ олдингда! 38 Тез бўл, югур, тўхтаб турма! — деб овоз берди. Бола ўқни
олиб, хўжайинига келтириб берди. 39 Бола бундан бехабар, бу гапнинг маъноси
Йўнатан билан Довудга аён эди, холос. 40 Йўнатан қурол–аслаҳаларини ўша болага
бериб:
— Кўтар буларни, шаҳарга олиб бор, — деди.
41 Бола кетиши биланоқ, Довуд тош орқасидан чиқиб келди ва юзи билан ерга
мук тушиб, уч марта таъзим қилди. Иккала дўст бир–бирларини қучоқлаб, ўпиб,
йиғлашди. Довуд Йўнатанга қараганда қаттиқроқ йиғлади. 42 Ниҳоят Йўнатан:
— Энди эсон–омон йўлингга кет, — деди. — Икковимиз: “Худо сену менинг
орамизда, уруғларимиз орасида абадий шоҳид бўлсин”, деб Унинг номини ўртага
қўйиб онт ичганмиз.
43 Шундан кейин Довуд ўз йўлига кетди. Йўнатан эса шаҳарга қайтди.

21–БОБ

Довуд Шоулдан қочиб юради

1 Довуд Нав шаҳридаги* руҳоний Охималекнинг ҳузурига борди. Охималек
Довудни кутиб оларкан:
— Нимага ёлғизсан? Нега ёнингда ҳеч ким йўқ? — деб қўрқув ичра сўради.
2 — Шоҳ менга бир топшириқ берди, — деди Довуд. — Сенга берган
топшириғимни ҳеч ким билмасин, деди. Шунинг учун одамларимга, фалон жойга
бориб туринглар, деб тайинлаб келдим. 3 Ҳозир ейишга бирор нарсангиз борми?
Менга бешта нон, ёки қўлингизга нима илинса, беринг.
4 — Оддий нонимиз йўқ, — деб жавоб берди руҳоний, — агар одамларинг
аёллардан ўзларини тийган бўлишса*, назр қилинган нонимиз* бор.
5 — Йўлга чиққанимиздан буён аёлларга яқинлашганимиз йўқ, — деди Довуд.
— Сафаримизнинг мақсади оддий бўлганда ҳам, одамларим ўзларини пок тутади.
Айниқса, бу сафаримизда одамларим ўзларини жуда пок тутдилар.
6 Шундан кейин руҳоний унга муқаддас нон берди. Бу ерда Худога
бағишланган нондан бошқа нон йўқ эди. Бу нон, Эгамизнинг ҳузурида тургандан
кейин, иссиқ нон келтирилган куни олиб қўйилганди. 7 Ўша куни Шоулнинг Доег
деган хизматкори ҳам шу ерда эди. У Эдомлик* бўлиб, Шоулнинг бош чўпони эди.
Доег расм–русумларни адо этгани Эгамиз ҳузурига келганди.
8 — Ёнингизда найза ёки қилич йўқми? — деб сўради Довуд Охималекдан. —
Шоҳнинг топшириғи шошилинч бўлгани учун ўзим билан на қиличимни
олибман, на бошқа қуролимни.
9 — Элох водийсида ўзинг ўлдирган Филист Гўлиётнинг қиличи бор, — деди
руҳоний. — Эфод орқасида матога ўроғлиқ турибди. Бу ерда бошқа қурол йўқ.
Хоҳласанг, ўшани олавер.
— Ўша қилични менга бера қолинг, унақаси топилмайди, — деди Довуд.
10 Довуд Шоулдан қочиб, ўша куни Гат* шоҳи Охишнинг ҳузурига борди.
11 Охишнинг хизматкорлари:
— Бу Исроил шоҳи Довуд–ку! — дейишди. — Одамлар: “Шоул мингларчасини
ўлдирди, Довуд эса ўн мингларчасини”, деб ўйнаб қўшиқ айтган эди–ку.

12 Бу гаплар Довудни чўчитиб қўйди. У Гат шоҳи Охишдан жуда қўрқарди.
13 Довуд уларнинг кўз ўнгида қиёфасини ўзгартирди, уларнинг олдида ўзини
телбаликка солар, сарой дарвозасини тимдалаб, сўлакларини соқолига оқизарди.
14 Охиш хизматкорларига деди:
— Қаранглар бу одамга! Жиннининг ўзи–ку! Нимага уни менинг ҳузуримга
олиб келдингизлар? 15 Менинг олдимда жиннилик қилсин деб уни олиб
келдингизларми? Менга жиннилар керакмиди?! Шу одамнинг саройимга кириши
шартми?!

22–БОБ

Шоул Нав шаҳридаги руҳонийларни ўлдиради

1 Шундан сўнг Довуд у ердан чиқиб, Адуллам шаҳри* яқинидаги ғорга қараб
қочди. Акалари ва жамики ота хонадони бу ҳақда эшитиб, ўша ёққа — Довуднинг
ёнига боришди. 2 Эзилган, қарзини тўлашга қурби етмаган, норози одамлар
Довуднинг атрофига тўпланишди. Довуд уларга бош бўлди. Унга эргашганлар
тўрт юзтача эди.
3 Довуд у ердан Мўабдаги* Миспах шаҳрига бориб, Мўаб шоҳидан илтимос
қилди: “Ижозат беринг, Худо мени нима қилмоқчилиги маълум бўлгунча,
ота–онам ёнингизда қолсин.” 4 Шундай қилиб, Довуд ота–онасини Мўаб шоҳи
ҳузурига олиб келди. Довуд адирлардаги қароргоҳида яшириниб турганда,
ота–онаси Мўаб шоҳининг паноҳида яшадилар. 5 Лекин Довудга Гад пайғамбар: “У
ерда қолма, Яҳудо ерига бор”, деди. Шундан кейин Довуд у ердан чиқиб, Хорет
ўрмонига борди. 6 Шу орада Шоул “Довуд ва унинг одамлари топилди”, деб
эшитди. Шоул қўлида найзасини ушлаганича, Гиво* тепалигидаги юлғун
дарахти* остида ўтирган эди. Барча аъёнлари ҳам унинг атрофида турган эдилар.
7 Шоул уларга шундай деди:
— Эй Бенямин одамлари, эшитиб олинглар! Эссайнинг ўғли* ҳар бирингизга
далаю узумзорларни бериб қўймайди–ку! Ҳар бирингизни мингбоши ёки юзбоши
қилиб ўтирадими?!* 8 Ҳаммангиз менга қарши тил бириктирдингиз–ку! Ўғлим
Йўнатан Эссайнинг ўша ўғли билан аҳд қилган экан, мени ҳеч ким хабардор
этмади. Орангиздан менга ён босадиган бирор одам чиқмади. Довуд менга
пистирма қўймоқчи экан, уни ўғлим қайрабди. Ҳозир шу иш бўлди–ку! Шундай
эмасми?!
9 Шу пайт Шоулнинг аъёнлари ёнида турган Эдомлик* Доег айтди:
— Эссайнинг ўғли Довудни кўрдим, у Нав шаҳридаги Охитобнинг ўғли
руҳоний Охималекнинг ёнига келган эди. 10 Охималек “Довуд нима қилсин?” деб
Эгамизнинг хоҳиш–иродасини сўради*. Унга ҳам озиқ–овқат берди, ҳам Филист
Гўлиётнинг қиличини тақдим қилди.
11 Шоҳ Шоул аъёнларига: “Охитобнинг ўғли руҳоний Охималекни ва унинг
Навда яшайдиган ота уруғларининг ҳаммасини — барча руҳонийларни олиб
келинглар”, деб буюрди. Ҳаммаларини шоҳнинг олдига олиб келишди.
12 — Эй Охитобнинг ўғли, гапларимни эшит! — деди Шоул Охималекка.
— Лаббай, ҳазратим, — деди Охималек.
13 — Нимага сен Эссайнинг ўғли билан бирга менга қарши тил бириктирдинг?
— деди Шоул. — Довудга нон, қилич берибсан, унинг учун Худонинг
хоҳиш–иродасини сўрабсан. Мана бугун Довуд менга қарши қўзғалиб, пистирмада
пойлаб турибди.
14 Охималек шундай жавоб берди:

— Бутун аъёнларингиз орасида Довуд сингари, ишончли ким бор?! Довуд — сизнинг куёвингиз, соқчиларингизнинг сардори, хонадонингизда ҳурматли киши–ку. 15 Тўғри, ўша куни Довуд учун Худонинг хоҳиш–иродасини сўрадим. Аммо бу биринчи марта эмас эди–ку! Шоҳ мени ва ота хонадонимни айбламасинлар, чунки мен Довуднинг ёмон ниятидан бехабар эдим.

16 — Эй Охималек, ўзинг ҳам, бутун ота хонадонинг ҳам албатта ўласизлар! — деди Шоул. 17 Сўнг у ёнида турган қўриқчиларига буюрди:

— Қани, Довудни қўллаган Эгамизнинг руҳонийларини ўлдириб ташланглар! Улар Довуднинг қочиб кетганини билганлари ҳолда, менга хабар беришмади.

Шоҳнинг қўриқчилари қўл кўтариб, Эгамизнинг руҳонийларини ўлдиришни исташмади. 18 Шунда шоҳ Шоул Доегга:

— Сен бор, руҳонийларни ўлдир! — деб буюрди.

Ўша куни Эдомлик Доег муқаддас либос* кийган саксон беш руҳонийни бир ўзи чопиб ўлдирди. 19 Сўнгра эркак–аёл, ёш бола, ҳатто чақалоқ демасдан, руҳонийлар яшайдиган Нав шаҳрининг халқини ҳам қиличдан ўтказди. Моллари, эшаклари, қўйларини ҳам чопиб ташлади. 20 Руҳоний Охималекнинг ўғилларидан биргина Абуатар дегани тирик қолиб, Довуднинг ёнига қочиб кетди. 21 Шоул Эгамизнинг руҳонийларини ўлдирганини Абуатар Довудга айтиб берди. 22 Довуд Абуатарга деди:

— Ўша куни у ерда Эдомлик Доег бор эди. У албатта Шоулга хабар беришини билардим. Отанг хонадонидаги ҳар бир жоннинг ўлимига мен сабабчи бўлдим. 23 Энди сен ёнимда қол, қўрқма. Менинг жоним пайига тушган кимса — сенинг ҳам жонинг пайига тушган. Ёнимда қолсанг, бехатар бўласан.

23–БОБ

Довуд Кейлах шаҳрини озод қилади

1 Довудга: “Филистлар Кейлах шаҳрига* ҳужум қилиб, ҳосилни талон–тарож қиляпти”, деб хабар беришди.

2 — Бориб ўша Филистлар билан уришайми? — деб Эгамиздан сўради* Довуд.

— Бор, Филистлар билан уришиб, Кейлах шаҳрини халос эт, — деди Эгамиз.

3 Лекин Довуднинг одамлари:

— Биз шу ерда — Яҳудода қўрқиб ўтирибмиз–у, Кейлахга* бориб, Филист лашкарига қарши уришмоққа бизда журъат бормиди?! — дейишди. 4 Довуд яна Эгамиздан Унинг хоҳиш–иродасини сўради.

— Отлан, Кейлахга бор! Филистларни Ўзим сенинг қўлингга бераман, — деди унга Эгамиз.

5 Довуд одамлари билан Кейлахга бориб, Филистларга қарши уруш қилди. Довуд Филистларнинг мол–ҳолини тортиб олди. Уларга оғир талафот етказди. Шундай қилиб, Кейлах халқини қутқарди. 6 Охималекнинг ўғли Абуатар Кейлахда турган Довуднинг ёнига қочиб, ўзи билан эфодни ҳам олиб кетган эди. 7 Шоул Довуднинг Кейлах шаҳрига кетганини эшитиб: “Худо Довудни қўлимга берди, ўша шаҳар дарвозаларининг тамбалари бор, у шаҳарга кириб ўзини ўзи тутиб берди”, деди.

8 Шоул Довудни ва унинг одамларини қамалга олиш мақсадида бутун лашкарини урушга даъват этиб, Кейлахга юриш қилди. 9 Довуд Шоулнинг қабиҳ ниятини эшитиб, руҳоний Абуатарга:

— Эфодни бу ерга олиб кел, Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билайлик, — деди.

10 Сўнг Худога шундай деб илтижо қилди:

— Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз! Аниқ хабар эшитдим: Шоул Кейлахга келиб, шу қулинг сабабли шаҳарни вайрон қилмоқчи экан.
11 Кейлахликлар мени Шоулнинг қўлига тутиб берадими? Бу қулингнинг эшитганлари ростми, Шоул бу ерга келадими? Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз, ўтиниб сўрайман, бу қулингга аён эт!

— Шоул келади, — деди Эгамиз.

12 — Кейлахликлар мени ва одамларимни Шоулнинг қўлига тутиб берадими? — деб сўради Довуд.

— Тутиб беради, — деди Эгамиз.

13 Шу онда Довуд билан ёнидаги олти юстача одам Кейлахдан чиқиб, бир жойдан бошқа жойга кўчиб юраверишди. Довуд Кейлахдан қочиб кетибди деган хабарни эшитган Шоул у ерга бормайдиган бўлди.

Довуд чўлда

14 Довуд адирлардаги пана жойларда — Зиф чўлидаги* қирларда макон қиларди. Шоул Довудни муттасил таъқиб қилди, лекин Худо уни Шоулнинг қўлига бермади. 15 Бир пайт Довуд Зиф чўлидаги Хорешда турганда, Шоул уни ўлдиргани йўлга чиққани ҳақида хабар эшитди.

16 Шу пайтда Шоулнинг ўғли Йўнатан Хорешда турган Довуднинг олдига борди ва “Худо сени сақлайди”, деб уни руҳлантирди.

17 — Қўрқма, — деди Йўнатан унга, — отам Шоул сени топа олмайди. Сен Исроил шоҳи бўласан, мен эса сендан кейинги одам бўламан. Отам Шоул ҳам шуни билади.

18 Иккови Эгамиз олдида аҳд қилишди. Довуд Хорешда қолди, Йўнатан эса уйига кетди.

19 Бир неча Зифликлар Гивога бориб, Шоулга хабар бердилар:

— Довуд ҳудудимиздаги Хореш деган жойда яшириниб юрибди. Бу жой Йешимоннинг* жанубидаги Хахило адирларида жойлашган. 20 Эй шоҳ ҳазратлари, бораверинг. Биз албатта Довудни шоҳнинг қўлига тутиб берамиз.

21 — Сизлар менга қайишар экансиз, Худо сизларни ёрлақасин! — деди Шоул.
22 — Бориб, яна бир марта текшириб чиқинглар, Довуд қаерларда яшириниб юрганини, ўша ерда уни кимлар кўрганини яхшилаб суриштиринглар. Айтишларича, у жуда айёр экан. 23 Ҳамма яширинган жойларини билиб олиб, кейин менга аниқ хабар келтиринглар. Ўшанда мен сизлар билан бораман. Агар Довуд ўша ерда бўлса, уни бутун Яҳудо уруғлари орасидан қидириб топаман.

24 Шундай қилиб, Зифликлар йўлга тушиб, Шоулдан олдин Зифга келишди. У пайтда Довуд одамлари билан Йешимоннинг жанубидаги Моюн чўлининг* кимсасиз бир водийсида эдилар. 25 Шоул ҳам одамлари билан Довудни излашга чиқди. Довуд Шоулнинг келаётганини эшитгач, Моюн чўлининг қоялик жойига бориб яширинди. Шоул буни билиб қолиб, Довуднинг орқасидан кетди.

26 Шоул қирнинг бир томонидан, Довуд билан унинг одамлари эса қирнинг бошқа томонидан боришарди. Довуд тезда Шоулдан қочиб қутулмоқчи эди. Шоул эса сипоҳлари билан Довуд одамларининг йўлини тўсмоқчи бўлиб, ўраб олаётган эди. 27 Худди шу пайт бир хабарчи келиб Шоулга:

— Тезроқ юринг! Филистлар юртимизга ёпирилди, — деб қолди.

28 Шоул Довудни таъқиб қилиш ўрнига, Филистлар билан жанг қилгани қайтиб кетди. Шунинг учун ўша ерга “Қутулиш қояси”* деб ном берилди.

24–БОБ

Довуд Шоулнинг жонига қасд қилмайди

1 Довуд у жойларни ҳам тарк этиб, Эн–Гедидаги пана жойларда* яшай
бошлади. 2 Шоул Филистларни қувлаб юбориб қайтиб келгач, Довуд Эн–Геди
ёнидаги дашт–чўлларда юрибди деган хабарни эшитди. 3 Шоул одамлари билан
Довудни қидирмоққа отланди. Исроилнинг энг сара сипоҳларидан уч мингтасини
танлаб олиб, қоялари ва ёввойи эчкилари билан машҳур бўлган жойга кетишди.
4 Йўлда қўй қўраси бўлиб, унинг яқинида бир ғор бор эди. Шоул эҳтиёжини
қондирмоқчи бўлиб ғорга кирди. Ғорнинг энг ичкарисида эса Довуд одамлари
билан ўтирган эди. 5 Одамлари Довудга айтдилар:

— Эгамиз сенга: “Ғанимингни қўлингга бераман, унга билганингни қилавер”,
деган эди. Ўша кун шу бугундир!

Довуд секин бориб, Шоулнинг ридоси этагидан билинтирмай бир парча кесиб
олди. 6 Лекин Шоулнинг этагидан бир парча кесиб олгани учун юрагида ўкинч
пайдо бўлди. 7 Кейин одамларига деди:

— Худо сақласин! Мен Эгамиз мой суртиб танлаган шоҳга — жаноби
олийларига бундай қилолмайман. Унга қарши қўлимни кўтармайман, чунки у
Эгамизнинг мой суртиб танлаганидир.

8 Довуд шундай деб одамларига танбеҳ берди, Шоулга тегишларига ижозат
бермади. Шоул ғордан чиқиб, йўлига кетди. 9 Унинг ортидан Довуд ҳам ғордан
чиқди–да:

— Шоҳ ҳазратлари! — деб Шоулни чақирди. Шоул орқасига ўгирилди, Довуд
эгилиб таъзим қилди ва ер ўпиб 10 деди:

— Довуд сенга ёмонлик қилмоқчи деган одамларнинг гапларига нима учун
қулоқ соляпсиз? 11 Ўз кўзингиз билан кўриб турибсизки, ҳозир Эгамиз ғорда
сизни қўлимга берган эди. Одамларим сизни ўлдирмоқчи бўлишган эди, лекин
менинг кўзим қиймади, “Жаноблариға қўл теккизмайман, чунки у Эгамизнинг
мой суртиб танлаганидир”, дедим. 12 Қаранг, эй отам! Қўлимдаги манави парчага
қаранг! Ридоингизнинг этагидан кесиб олдим. Ридоингиздан бир парчани кесиб
олдим–у, лекин сизни ўлдирмадим. Кўнглимда ёмонлик ва маккорликдан асар
йўқлигини яхши билиб олинг. Мен сизга гуноҳ қилмаганман–у, сиз эса менинг
жонимга қасд қилиш пайига тушгансиз. 13 Худога солдим, мен учун У сиздан ўч
олсин. Мен сизга қўл кўтармайман. 14 Эскилар: “Ёмонлик ёмон одамлардан келар”,
дейишган, шунга кўра, мен сизга қўлимни кўтармайман. 15 Исроил шоҳи кимнинг
пайига тушган, ахир? Сиз кимни таъқиб қиляпсиз? Ўлган итдай ёки бургадай
арзимас бўлган меними? 16 Худога солдим, қай биримизнинг ҳақ эканимизни Худо
ҳукм қилсин, додимни Ўзи эшитсин. Эгамиз менинг йўлимни бериб, сизнинг
қўлингиздан халос этсин.

17 Довуд гапини тугатган ҳам эдики, Шоул:

— Довуд, ўғлим, бу сенинг овозингми? — деди–ю, уввос солиб йиғлай
бошлади.

18 — Сен ҳақсан, мен нотўғри қилдим, — деди Шоул Довудга. — Сен менга
яхшилик қилган эдинг, мен ёмонлик билан жавоб қайтардим. 19 Бугун менга
бўлган муносабатингни аниқ–равшан исботладинг. Эгамиз мени сенинг қўлингга
берибди–ю, лекин сен мени ўлдирмабсан. 20 Қанийди, ҳаммаям сенга ўхшаб
душманини тутиб олганда, оқ йўл тилаб қўйиб юбораверса?! Бугун менга қилган
яхшилигинг учун сенга Эгамиздан қайтсин! 21 Энди мен англаб етдим: сен албатта
шоҳ бўласан, Исроил шоҳлиги сенинг қўлингда мустаҳкам бўлади. 22 Энди менга,

сиздан кейин авлодингизни йўқ қилмайман, отангиз хонадонидан номингизни ўчирмайман, деб Эгамиз олдида онт ич.
23 Довуд Шоулнинг олдида онт ичди. Шундан сўнг Шоул уйига қайтиб кетди.
Довуд эса одамлари билан адирлардаги қароргоҳига қайтди.

25–БОБ

Шомуилнинг ўлими

1 Шу орада Шомуил оламдан ўтди. Бутун Исроил халқи йиғилишиб, Шомуилга
аза тутди. Уни ўз она шаҳри Рамада дафн қилишди.

Довуд ва Обигайл

Шундан кейин Довуд Порон чўлига кетди. 2 Моюн шаҳрида бир бой–бадавлат
одам яшар, мол–мулки Кармил шаҳри* яқинидаги ерда бўлиб, уч мингта қўйи,
мингта эчкиси бор эди. Бу пайтда у Кармилда қўйларининг жунини қирқаётган
эди. 3 Ўша одамнинг исми Навол, хотинининг исми эса Обигайл эди. Аёл
ақл–фаросатли ва чиройли эди. Эри Холиб уруғидан бўлиб, қўрс, феъл–атвори
ёмон одам эди.
4 Довуд даштда юрганда, Навол қўйларининг жунини қирқяпти деган хабарни
эшитиб қолди. 5 Довуд йигитларидан ўнтасини Кармилга — Наволнинг ҳузурига
жўнатаётиб, уларга деди:
6 — Наволга мендан салом айтиб, шу гапларимни етказинглар: “Умринг узоқ
бўлсин! Сенга, хонадонингга, қарамоғингдаги ҳар бир одамга тинчлик–омонлик
бўлсин. 7 Қўйларингнинг жунини қирқаётганингни эшитдим. Чўпонларинг биз
билан бирга эди. Уларни хафа қилмадик, Кармилда бўлган кунларида ҳеч нарсаси
йўқолмади. 8 Хизматкорларингдан сўраб кўрсанг, ўзлари ҳам сенга айтиб
беришади. Шунинг учун одамларимга илтифот кўрсат, сенинг ҳузурингга зиёфат
куни* келдик. Бу қулларингга ва ўғлинг Довудга қўлингдан келганча марҳамат
қилиб, ёрдам кўрсат.”
9 Довуднинг одамлари Навол ҳузурига бориб, Довуднинг номидан унга шу
гапларни етказишди ва жавоб кута бошлашди. 10 Навол эса Довуднинг
одамларига шундай жавоб берди:
— Довуд дегани ким ўзи?! Эссайнинг ўғли бўлса, нима қипти?! Шу кунларда ўз
хўжайинларидан қочиб кетаётган қуллар жуда кўпайиб кетди–да! 11 Нонимни,
сувимни, жун қирқаётган одамларим учун сўйган қўйларимнинг гўштини олиб,
аллақайдан келган одамларга берайми?!
12 Довуднинг одамлари келган йўлига қайтиб кетишди. Наволнинг ҳамма
айтганларини Довудга етказишди.
13 — Ҳамма қиличини белига боғласин! — деб амр берди Довуд одамларига.
Довуднинг ўзи ҳам, одамлари ҳам қиличларини белларига боғлашди. Тўрт юзга
яқин одам Довуд билан бирга кетди. Икки юзтаси эса анжомлар ёнида қолди.
14 Наволнинг хизматкорларидан бири унинг хотини Обигайлга деди:
— Довуд хўжайинимиз Наволга салом йўллаб, даштдан хабарчилар жўнатган
экан, лекин Навол уларни ҳақорат қилди. 15 У одамлар эса бизга кўп яхши
муносабатда бўлишган эди. Даштда улар билан қолган пайтларимизда бизни ҳеч
хафа қилишмасди, бирор нарсамиз ҳам йўқолмасди. 16 Қўйларимизни боқиб
юрганимизда, ҳар доим — кечаю кундуз бизни ҳимоя қилишарди. 17 Энди нима
қилиш лозимлигини ўзингиз яхшилаб ўйланг. Чунки хўжайинимизнинг ва унинг
бутун хонадонининг бошига фалокат хавф солиб турибди. Хўжайинимиз эса шу
қадар баджаҳлки, бирор кимса унга бир оғиз гап айта олмайди.

18 Обигайл вақтни бой бермай, икки юзта нон, икки меш шароб, бешта қўйнинг
пиширилган гўштини, икки тоғора* қовурилган буғдой, юз ҳовуч майиз ва икки
юз ҳовуч анжир қоқини* олиб эшакларга юклади. 19 Сўнг хизматкорларига:
— Сизлар мендан олдин юринглар, мен орқаларингиздан бораман, — деди.
Эри Наволга эса ҳеч нарса демади. 20 Обигайл эшакка миниб, тоғнинг ёлғизоёқ
йўлларидан тушиб келаётганда, унга томон келаётган Довуднинг одамларига дуч
келиб қолди. 21 Довуд шу гапларни айтаётган экан:
— Бу одамнинг даштдаги мол–ҳолини беҳудага қўриқлабман–да. Унинг
қўтонидан бирор қўй йўқолмади–ю, оқибатда у менинг яхшилигимга ёмонлик
билан жавоб қайтарди. 22 Агар эрталабгача унга қарашли эркак зотидан
бирортасини тирик қолдирсам, Худо менинг жазоимни берсин*, ҳатто ундан
баттарроғига дучор қилсин!
23 Обигайл Довудни кўрибоқ эшакдан тушди. Довудга таъзим қилиб, ерга мук
тушди. 24 Унинг оёқларига бош уриб ёлворди:
— Тўрам, мен айбдорман, айб менда. Ижозат беринг, бу чўрингиз сизга бир
оғиз гап айтсин, айтганларимга қулоқ солинг. 25 Ёлвораман, тўрам! Ўша баттол
Наволга эътибор бермасинлар. Унинг феъл–атвори худди исмининг ўзи. Навол —
ақлсиз дегани. Мен, чўрингиз, тўрам юборган одамларни кўрмабман. 26 Энди,
тўрам, Эгамиз сизнинг қон тўкишингизга, ўз қўлингиз билан қасос олмоғингизга
изн бермаган. Худо шоҳид! Тўғрисини айтай, ғанимларингиз, қолаверса, тўрамга
қасд қилган ҳамманинг бошига Наволнинг куни тушсин. 27 Тўрам, мен, чўрингиз,
сизга мана бу инъомларни келтирдим. Энди булар сизга эргашиб хизмат
қилаётган одамларингизга берилсин. 28 Бу чўрингизнинг гуноҳидан ўтинг. Эгамиз
албатта тўрамнинг хонадонини мустаҳкам қилади, чунки тўрам Эгамиз учун жанг
қиляпти. Умрингиз охиригача сиз томондан бирон–бир ҳақсизлик бўлмасин.
29 Бирортаси ортингиздан тушиб, жонингизга қасд қилса, ҳаётингизни Эгангиз
Худо Ўз паноҳида асрасин. Ғанимларингизни эса палахмондан отилган тошдай
улоқтириб юборсин. 30 Эгамиз тўрамга ваъда қилган барча эзгуликларни бажо
келтириб, сизни Исроилнинг йўлбошчиси қиладиган кун келади, албатта.
31 Ўшанда ўзим учун ўч олиб, беҳудага қон тўкдим, деб пушаймон бўлмагайсиз.
Эгамиз тўрамга барака берганда, бу чўрисини унутмасин.
32 — Бугун сени мен билан учраштирган Исроил халқининг Худоси — Эгамизга
ҳамду санолар бўлсин! — деди Довуд. 33 — Ақлингга балли, барака топ! Бугун
мени қон тўкишдан, ўз қўлим билан ўч олишдан сақлаб қолдинг, бунинг учун
сени Худо ёрлақасин. 34 Исроил халқининг Худоси — Эгамиз сенга ёмонлик
қилишимнинг олдини олди. Агар сен мени тезда учратиб қолмаганингда, Худо
ҳақи, кун чиққунча Наволга қарашли эркак зотидан бирортаси тирик қолмаган
бўларди!
35 Довуд Обигайл олиб келган ҳадяларни олди. Кейин:
— Эсон–омон уйингга бор, билиб қўй, гапларингга қулоқ солиб, арзингга
эътибор бердим, — деди.
36 Обигайл Наволнинг ёнига қайтиб келди. Навол уйида шоҳона зиёфат
уюштирган, маст, жуда вақти чоғ эди. Обигайл эса эрталабгача унга бир оғиз гап
айтмади. 37 Эртасига эрталаб Навол ўзига келгач, хотини унга бўлиб ўтган
воқеаларни айтиб берди. Ўша заҳотиёқ Наволнинг юраги музлаб, шол бўлиб
қолди. 38 Ўн кунлардан кейин Эгамиз Наволнинг жонини олди.
39 Худо Наволнинг жонини олганини Довуд эшитди.
— Навол мени ҳақорат қилган эди, Эгамизнинг Ўзи мени оқлади, бу қулини
ёмонлик қилмоқдан асради. Эгамизга ҳамду санолар бўлсин! У Наволнинг

ёмонлигини ўзининг бошига солибди, — деди.

Шундан сўнг Довуд Обигайлнинг олдига хабарчилар жўнатиб, унга уйланмоқчи эканлигини билдирди. 40 Довуд юборган хабарчилар Кармилга — Обигайлнинг ҳузурига бориб:

— Довуднинг сенга уйланиш истаги бор, шуни билдириш учун бизни юборди, — дедилар. 41 Обигайл ўрнидан турди, боши ерга теккудай бўлиб таъзим қилди–да:

— Мен тўрамга хизмат қилмоққа ва тўрамнинг хизматкорлари оёқларини ювишга тайёрман, — деб жавоб берди. 42 Обигайл тезда ўрнидан туриб, эшакка минди. Ёнига бешта чўрисини олиб, Довуднинг хабарчилари орқасидан йўлга тушди. Шундай қилиб, Обигайл Довудга турмушга чиқди.

43 Довуд Йизриллик Охинавамга ҳам уйланган эди. Шу тариқа Довуд икки хотинлик бўлди. 44 Довуднинг биринчи хотини Михални* эса отаси Шоул Палтига бериб юборган эди. Палти Галимлик Лайиш деганнинг ўғли эди.

26–БОБ

Довуд яна Шоулнинг жонини сақлаб қолади

1 Зифликлар Гивога — Шоулнинг ҳузурига келиб: “Довуд Йишмон* четидаги Хахило тепалигида яшириниб юрибди”, деб хабар етказишди. 2 Шоул уч мингта сараланган Исроил сипоҳи билан Довудни қидириб Зиф дашт–биёбонига борди. 3 У Хахило тепалигидаги йўл бўйида қароргоҳ қурди, бу тепалик Йишмон саҳросининг четида эди. Довуд ҳали ҳам саҳрода яшириниб юрарди. Ўз орқасидан Шоулнинг тушганини билиб, Довуд 4 айғоқчилар жўнатди. Шу тариқа Шоулнинг шу ерга келганини аниқ билиб олди.

5 Довуд Шоулнинг қароргоҳи томон яқин бориб, Шоул билан лашкарбоши Абнурнинг ухлаётган жойини кўрди. Шоул қароргоҳнинг ўртасида, сипоҳлар эса унинг атрофида ётган эдилар. 6 Шу пайт Довуд Охималек билан Абушайдан:

— Ким мен билан қароргоҳга — Шоулнинг ёнига киради? — деб сўради. Охималек Хет халқидан эди. Абушай Зеруянинг* ўғли бўлиб, Йўабнинг акаси эди.

— Мен сиз билан бораман, — деди Абушай.

7 Довуд билан Абушай ўша кун кечаси қароргоҳга киришди. Шоул найзасини бош томонига ерга санчиб қўйиб, қароргоҳнинг ўртасида ухлаб ётарди. Абнур билан сипоҳлар унинг атрофида ухлашарди.

8 — Бугун Худо ғанимингизни сизнинг қўлингизга берди, — деди Абушай Довудга. — Энди ижозат беринг, уни найза билан бир уриб ерга михлаб қўяйин. Иккинчи марта уришимга ҳожат қолмайди.

9 — Йўқ, уни ўлдирмайсан, — деди Довуд, — Эгамиз мой суртиб танлаган шоҳга қўл кўтарганни сира оқлаб бўлмайди. 10 Худо шоҳид! Шоулни ё Худо уради, ё унинг куни битиб оламдан ўтади, ёки жангда ҳалок бўлади. 11 Аммо Эгамиз мой суртиб танлаган шоҳга қўл кўтаришдан мени Худонинг Ўзи сақласин. Майли, Шоулнинг бош томонидаги найза билан сувдонини олиб кетамиз.

12 Довуд Шоулнинг бош томонидаги найзаси ва сувдонини олди. Кейин у ердан қайтишди. Уларни ҳеч ким кўрмади, бирор кимса бўлиб ўтган воқеани билмай қолди, ҳеч ким уйғонмади ҳам. Ҳамма ухлаб ётарди, зотан, Эгамиз уларни қаттиқ ухлатиб қўйган эди. 13 Довуд нариги томонга ўтиб, узоқроқдаги тепаликнинг устига чиқди, Шоулнинг сипоҳлари билан унинг орасида анчагина масофа бор эди. 14 Ўша ердан Абнурни ва одамларини чақириб:

— Эй Абнур, менга жавоб бер–чи! — деди.

— Сен кимсан, нега бақириб шоҳимизни безовта қиляпсан? — сўради Абнур.
15 — Сен катта одамсан, Абнур, тўғрими гапим? — деди Довуд. — Бутун
Исроилда сенга тенг келадигани йўқ. Шоҳ ҳазратларини биттаси ўлдирмоқчи
бўлиб, қароргоҳга кирди, нега шоҳни муҳофаза этмадинг? 16 Бу қилган ишинг
ёмон. Худо ҳақи, ўзинг ҳам, одамларинг ҳам ўлимга лойиқсизлар, чунки жаноби
олийларини — Эгамиз мой суртиб танлаган шоҳни муҳофаза этмадингизлар.
Қараб кўр–чи, шоҳнинг бош томонидаги найзаси билан сувдони қаерда экан?
17 Шоул Довуднинг овозини таниди:
— Бу сенинг овозингми, Довуд ўғлим? — деб сўради.
— Ҳа, шоҳ ҳазратлари, менман, — жавоб берди Довуд. 18 — Жаноби олийлари!
Мен, қулингизни нега таъқиб қилаверасиз? Мен нима қилдим? Гуноҳим нима?
19 Шоҳ ҳазратлари! Марҳамат қилиб мен, қулингизнинг сўзларига қулоқ солинг.
Агар сизни менга қарши қўзғатган Эгамиз бўлса, назр атанг, У тинчлансин. Агар
бу ишни инсонлар қилган бўлса, Эгамиз олдида лаънати бўлсинлар. Чунки улар
Эгамизнинг еридан мени ҳайдаб: “Бор, бегона худоларга хизмат қил*”,
деяётгандай бўляпти. 20 Ишқилиб, қоним Эгамизнинг ҳузуридан узоқ ерларга
тўкилмасин. Нима учун, эй шоҳим, бургадай арзимас бир инсонни овлашга
чиқдингиз?! Нечун, тоғлардаги какликни* овлагандай, мени овлаб юрибсиз?!
21 — Гуноҳ қилдим, Довуд ўғлим, бери кел, — деди Шоул. — Бугун менинг
ҳаётим сен учун қадрли эканини билдим. Энди сенга сира ёмонлик қилмайман.
Ҳақиқатан ҳам, нодонлик қилдим, қаттиқ янглишдим.
22 — Мана шоҳимизнинг найзаси, йигитларингиздан бири келиб олсин, —
деди Довуд, 23 — Эгамиз ҳар бир одамнинг тўғрилигига ва садоқатига яраша
мукофот беради. Бугун Эгамиз сизни қўлимга берган бўлса–да, мен Эгамизнинг
мой суртиб танлаганига қўл кўтаришни истамадим. 24 Бугун сизнинг ҳаётингизни
сақлаганимдай, Эгамиз менинг ҳаётимни ҳам шундай сақласин. У мени ҳар
қандай балолардан асрасин.
25 — Довуд ўғлим, Худо сени ёрлақасин, сен албатта буюк ишлар қиласан, улуғ
зафарларга эришасан, — деди Шоул. Шундан кейин Довуд ўз йўлига кетди, Шоул
эса уйига қайтди.

27–БОБ

Довуд Филистлар орасида

1 Довуд: “Бир кун Шоулнинг қўлида нобуд бўлсам керак”, деб ўйларди.
“Яхшиси, Филистлар ерларига қочиб қолай. Ўшанда Шоул Исроилнинг ҳар
бурчагидан мени қидириб юришдан воз кечади, мен ҳам унинг қўлидан қутулиб
қоламан.”
2 Шундай қилиб, Довуд ва унинг ёнидаги олти юз киши оилалари билан йўлга
отланиб, Гат* шоҳи Охиш томонига ўтиб кетишди. Шоҳ Охиш Моюх деганнинг
ўғли эди. 3 Ҳаммалари оилалари билан бирга Гатда — Охишнинг ёнида
жойлашишди. Довуд ҳам иккала хотини — Йизриллик Охинавам ва Кармиллик
Наволнинг беваси Обигайл билан жойлашди. 4 Шоул Довуднинг Гатга қочиб
кетганини эшитгач, энди уни ахтармай қўйди.
5 Довуд Охишга:
— Агар мен, қулингиз, сизнинг илтифотингизга сазовор бўлсам, ён–атрофдаги
шаҳарларнинг биридан менга жой берсангиз, мен ўша ерда истиқомат қилайин,
— деди. — Қулингизнинг сиз билан бирга шоҳ шаҳрида яшашига ҳожат йўқ.
6 Охиш ўша куни Довудга Зихлах шаҳрини берди. Ўшандан буён Зихлах Яҳудо

шоҳларига қарашли шаҳардир. 7 Довуд Филистлар юртида бир йилу тўрт ой
истиқомат қилди.
8 Довуд одамлари билан Гешир, Гезер ва Омолек халқларининг ерига бостириб
борарди. Бу элатлар узоқ замонлардан бери Шурга ва Миср чегарасигача
чўзилган ерларда яшаб келишарди. 9 Довуд бирор юртни босиб олса, эркак, аёл
демас, тирик жонни соғ қўймасди. Фақат қўй, мол, эшак, туя ва
кийим–кечакларни ўлжа олиб, шоҳ Охишнинг ҳузурига қайтиб келарди. 10 Охиш:
“Бугун бирон ерга бостириб бордингизларми?” деб сўраса, Довуд: “Яҳудонинг
Нагав чўлидаги ҳудудларини босиб олдик”, ёки “Нагав чўлидаги Ярахмал уруғи
ерларини босиб олдик”, ёки “Нагав чўлидаги Хайин халқи ерларини* қўлга
олдик”, деб жавоб берарди. 11 Довуд бирор кимсани Гатга олиб келмас, “Довуд
ундай қилди, бундай қилди, деб айтмасин” дея, эркагу аёлни тирик қолдирмасди.
Довуд Филистлар юртида яшаган пайтда шундай қиларди. 12 Охиш Довудга
ишонарди. “Довуд ўз халқи — Исроил халқига ўзини душман қилиб қўйди, бундан
кейин то абад менинг хизматимда қолади”, деб ўйларди.

28–БОБ

1 Ўша кунларда Филистлар Исроил лашкари билан уруш қилмоқчи бўлиб,
лашкарларини тўплашди. Охиш Довудга:
— Билиб қўй, сен одамларинг билан албатта мен томонда жанг қиласан, — деб
таъкидлади.
2 — Мен қулингизман, ўшанда нималар қилишимни ўзингиз кўрасиз, — деди
Довуд.
— Яхши, — деди Охиш, — сен доимо менинг шахсий қўриқчим бўлиб қоласан.

Шоул арвоҳдан маслаҳат сўрайди

3 Шомуил оламдан ўтганда, бутун Исроил халқи унга аза тутган ва уни ўз
шаҳри Рамага дафн қилишган эди. Шоул эса арвоҳ чақирувчиларни ва
фолбинларни юртдан йўқотиб юборган эди.
4 Шу орада Филистлар тўпланиб, Шунам шаҳрига бориб қароргоҳ қуришди.
Шоул ҳам жамики Исроил қўшинини йиғиб, Гилбова тоғида* қароргоҳ қурди.
5 Шоул Филистлар қўшинини кўрди–ю, қаттиқ қўрқиб кетди, уни ваҳима босди.
6 Шоул “Нима қилай?” деб Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билмоқчи бўлган эди, У
Шоулга на тушида, на руҳонийлар* ва на пайғамбарлар орқали жавоб берди.
7 Шундан кейин Шоул аъёнларига:
— Менга бирорта арвоҳ чақирадиган аёлни топиб келинглар, унинг олдига
бориб маслаҳат солайин, — деб фармон берди.
— Эн–Дўрда* бир арвоҳ чақирадиган аёл бор, — деди аъёнлар. 8 Шоул бошқача
кийимлар кийиб, қиёфасини ўзгартирди ва икки кишини эргаштириб, кеч
кирганда, ўша аёлникига борди.
— Илтимос қиламан, мен учун руҳларга маслаҳат сол, сенга кимнинг номини
айтсам, ўша одамни чақириб бер, — деди. 9 Аёл шоҳга шундай жавоб берди:
— Шоул нималар қилганини, арвоҳ чақирадиганларни ва фолбинларни
юртдан йўқотиб юборганини биласан–ку. Шундай экан, нимага мени нобуд
қилмоқ учун тузоқ қўйяпсан?
10 — Худо ҳақи, бундан сенга заррача ёмонлик келмайди, — деб онт ичди
Шоул.
11 Шундан сўнг аёл:
— Сенга кимни чақириб берайин? — деб сўради.

— Менга Шомуилни чақириб бер! — деди Шоул.
12 Аёл Шомуилни кўргач, қаттиқ бақириб юборди. Сўнг Шоулга қараб, деди:
— Сиз шоҳ Шоулсиз–ку! Нега мени алдадингиз?
13 — Қўрқма! — деди шоҳ аёлга, — нимани кўряпсан?
— Ер остидан* чиқаётган бир арвоҳни кўряпман, — деб жавоб берди аёл.
14 — Нимага ўхшайди? — сўради Шоул.
— Ридо кийган кексароқ одам юқорига чиқяпти, — деди аёл. Шу заҳоти Шоул билдики, у одам Шомуил. Мук тушиб унга таъзим қилди.
15 — Нимага мени чақириб безовта қилдинг? — сўради Шомуил.
— Мен жуда қийналиб кетдим, — деди Шоул. — Филистлар менга ҳужум қилишмоқчи. Худо эса мени тарк этди. Менга на пайғамбарлар орқали, на тушимда жавоб беряпти. Энди нима қилай, айтинг, шунга сизни чақирган эдим.
16 — Эгамиз сени тарк этиб, сенга душман бўлган экан, энди нимага мендан сўраяпсан? — деди Шомуил. 17 — Эгамиз мен орқали айтганини қилди. Шоҳликни сенинг қўлингдан тортиб олиб, Довудга берди. 18 Чунки сен Эгамизнинг амрига итоат этмадинг, Унинг алангаланган ғазабини сен Омолек халқига сочмадинг. Ана шунинг учун Эгамиз бугун шу кунларни бошингга соляпти. 19 У сени ҳам, Исроил халқини ҳам Филистлар қўлига беради. Эртага сен ва ўғилларинг менинг ёнимда бўласизлар*. Эгамиз бутун Исроил қўшинини ҳам Филистлар қўлига топширади.
20 Шоул бирдан муккаси билан ерга тушди. Шомуилнинг гапларидан қаттиқ қўрқиб кетди, силласи қуриди. У бир кеча–кундуз туз тотмаган эди. 21 Аёл Шоулга яқинлашди–да, унинг қаттиқ қўрқиб кетганини кўриб шундай деди:
— Бу чўрингиз ҳам сизнинг гапларингизни эшитди, жонимни хатарга қўйиб бўлса–да, истагингизни бажо келтирдим. 22 Энди бу чўрингизнинг гапларини эшитинг. Олдингизга озгина нон–пон қўяман, ейсиз. Ҳали йўл юрасиз, нон–пон еб олсангиз, дармон бўлади.
23 — Емайман! — деб рад этди Шоул.
Лекин аъёнлари ҳам, аёл ҳам уни кўндиришга кўп ҳаракат қилишди. Охири, Шоул уларнинг айтганини қилишга рози бўлди. Ётган еридан туриб, тўшакка ўтирди. 24 Аёлнинг уйида боқувдаги бир бузоғи бор эди. Аёл уни тезда сўйди. Ун олди–да, хамир қориб, хамиртурушсиз нон ёпди. 25 Таомларни Шоул билан аъёнлари олдига қўйди. Улар еб–ичиб, ўша куни тунда туриб жўнаб кетишди.

29–БОБ

Филистлар Довудга ишонмайди

1 Филистлар ҳамма сипоҳларини Офоққа* йиғди. Исроил лашкари эса Йизрилдаги булоқ ёнида қароргоҳ қуриб, жойлашиб олган эдилар. 2 Филист беклари юз ва минг кишилик гуруҳлардан иборат бўлган қўшин билан боришарди. Довуд ва унинг одамлари эса шоҳ Охиш билан бирга орқада келаётган эдилар. 3 Филист лашкарбошилари:
— Анави ибронийлар бу ерда нима қилиб юрибди? — деб сўраган эдилар, Охиш шундай жавоб берди:
— Бу одам Исроил шоҳи Шоулнинг хизматкори Довуд бўлади. Неча ой–йиллардан бери ёнимда юрибди. Мен томонга ўтгандан буён ундан бирор ёмонлик кўрмадим.
4 Лекин Филист лашкарбошилари Охишга:
— Бу одамни орқасига қайтариб юборинг! — дейишди жаҳл билан. — Сиз унга

ажратиб берган жойга бораверсин. Биз билан урушга боришига йўл қўйманг! Жанг вақтида бизга қарши чиқиши мумкин. У олдинги хўжайинига ўзини қандай қилиб яхши кўрсатишини биласизми? Одамларимизнинг бошини унга тутиб беришдан бошқа яхши йўл топа олармиди?! 5 Ҳалиги: “Шоул мингларчасини ўлдирди, Довуд эса ўн мингларчасини”, деб куйлаб ўйнаб қўшиқ айтган эдилар–ку. Бу ўша Довуд–да.

6 Охиш Довудни ёнига чақириб, деди:

— Худо ҳақи, сен яхши одамсан. Ҳузуримга келганингдан бери бирон номаъқул иш қилганингни кўрмадим. Мен билан бирга урушга боришингни истардим–у, аммо бекларимиз урушга боришингни маъқул кўришмаяпти. 7 Майли, бу сафар орқангга қайт, тинчгина кет, тағин Филист бекларининг кўзи олдида бирорта номаъқул иш қилиб қўймагин.

8 — Ахир, мен нима қилдим?! — деди Довуд. — Ҳузурингизга келганимдан бери мендан бирор айб топмадингиз–ку! Энди шоҳ ҳазратларининг ғанимларига қарши урушга нима учун бормаслигим керак экан?!

9 — Биламан, — деди Охиш, — сен менинг назаримда Худонинг фариштасидай поксан. Лекин Филист лашкарбошилари, биз билан урушга бормасин, дейишяпти. 10 Энди сен одамларинг билан эрталаб туринглар–да, тонг отар–отмас жўнанглар.

11 Шундай қилиб, Довуд одамлари билан эрта тонгда туриб, Филистлар ҳудудига қараб йўл олди. Филистлар эса Йизрилга* жўнашди.

30–БОБ

Довуд Омолек халқини мағлуб қилади

1 Довуд одамлари билан йўл юриб, учинчи куни ўз шаҳри Зихлахга етиб келди. Бу орада Омолек халқи Нагав чўлига*, хусусан, Зихлах шаҳрига ҳам бостириб кирган, Зихлахга ўт қўйиб, шаҳарни талон–тарож қилган экан. 2 Улар бирор кимсани ўлдирмай, у ердаги аёллару ёш–қарини асир олишиб, олдиларига солиб ҳайдаганча, йўлларига қайтиб кетишган эди.

3 Довуд одамлари билан у ерга етиб боргач, шаҳарнинг аланга ичида қолганини, хотинлари, ўғил–қизларини асир олиб кетишганини билди. 4 Улар ҳолдан тойгунча дод–вой солиб йиғлашди. 5 Довуднинг иккала хотини — Йизриллик Охинавам ва Кармиллик Наволнинг беваси Обигайл ҳам асир олинган эди. 6 Довуд ёмон аҳволда қолди, чунки ҳар бир одам ўғиллари, қизлари учун қайғурар, “Довудни тошбўрон қиламиз”, дейишарди. Лекин Довуд ўз Эгаси Худодан мадад олди. 7 У Охималекнинг ўғли руҳоний Абуатарга*:

— Менга эфодни келтир, Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билайлик, — деди. Абуатар эфодни олиб келди. 8 Довуд Эгамиздан:

— Бу қароқчиларнинг орқасидан қувиб борайми? Қувсам, етиб оламанми? — деб сўради*.

— Орқаларидан қув, уларга албатта етиб олиб, асирларни озод қиласан, — деди Эгамиз.

9 Шундай қилиб, Довуд ёнидаги олти юзта одами билан йўлга чиқиб, Басор сойлигига юриш қилди. 10 Улар сойликдан ҳали ўтиб бўлмаган эдики, икки юз киши толиқиб йиқилиб, ўша ерда қолди. Довуд қолган тўрт юз кишиси билан қароқчиларни қувлаб кетди.

11 Чўлда бир Мисрликни топиб, Довуднинг олдига келтиришди. “Еб, ичиб ол”, деб унга нон–пон беришди. 12 Бир ҳовуч анжир қоқи билан икки ҳовуч майиз* ҳам беришди. Ҳалиги одам тамадди қилиб олгач, бир оз жонланди. У уч кечаю уч

кундуз на туз тотган, на сув ичган эди.
13 Довуд ундан:
— Сен кимнинг одамисан? Қаердан келяпсан? — деб сўради.
— Мисрликман, Омолек уруғидан бўлган бир одамнинг қулиман, — деди йигит. — Уч кун олдин касал бўлиб қолган эдим, хўжайиним мени чўлда қолдириб кетди. 14 Нагав чўлидаги Харет халқи ҳудудига, Яҳудо ҳудудига, Нагав чўлидаги Холиб уруғи ерларига бостириб бориб, Зихлах шаҳрига* ўт қўйдик.
15 — Мени ўша босқинчиларнинг ёнига олиб бора оласанми? — деб сўради Довуд.
— Сени ўлдирмайман, хўжайинингнинг қўлига топширмайман, деб Худо номи билан онт ичсангиз, сизни ўша босқинчилар олдига олиб бораман, — деди йигит.
16 Шундай қилиб, Мисрлик одам Довудга йўл кўрсатиб кетди. Босқинчилар дала бўйлаб тарқалиб, Филист ва Яҳудо ерларидан талон–тарож қилиб келган мўл–кўл ўлжаларини еб–ичиб, хурсандчилик қилишаётган эди. 17 Довуд эртаси куни кечқурунгача уларни қирди. Туяларга миниб қочган тўрт юз йигитдан ташқари, улардан бирортаси ҳам қутулиб кета олмади.
18 Шундай қилиб, Довуд Омолек халқи тортиб олган ҳамма нарсаларини, жумладан, иккала хотинини ҳам қайтариб олди. 19 Катта–кичикдан, ўғил–қизлардан, ўлжа олинган моллардан, хуллас, Омолек халқи олиб кетган нарсалардан бирортаси қолиб кетмади. Довуд ҳаммасини қайтариб олди. 20 Довуд Омолек халқининг ҳамма мол–қўйларини ўлжа қилиб олди. Довуднинг одамлари ўлжа олинган мол–қўйларни ўзларининг моллари олдидан ҳайдаб кетар экан: “Булар — Довуднинг ўлжалари”, дейишарди.
21 Шундан кейин Довуд Басор сойлигида толиқиб орқада қолиб кетган икки юз киши олдига қайтди. Улар ҳам Довуд билан унинг одамларини кутиб олгани чиқишди. Довуд уларга яқин келгач, омонлик тилади. 22 Лекин Довуд билан борган баъзи ёмон, ярамас одамлар:
— Булар биз билан бирга бормадилар, энди уларга ўлжа олинган нарсалардан ҳеч қандай улуш бермаймиз, ҳар қайсиси фақат хотини билан болаларини олиб кетсин, — дейишди.
23 — Йўқ, биродарларим, — деди Довуд, — бу нарсаларни бизга Эгамиз берди, энди ундай қилманглар. Эгамизнинг Ўзи бизни сақлади, устимизга бостириб келган босқинчиларни қўлимизга берди. 24 Сизларнинг бу гапингизга ким рози бўлади? Урушга борганлар билан анжомлар ёнида қолганларнинг улуши бирдир, ҳар бир нарса тенг бўлинади.
25 Ўша кундан бошлаб Довуд бу усулни Исроилда қонун–қоида ҳолига келтирди, ушбу қонун бугунгача* давом этиб келяпти.
26 Ниҳоят, Довуд Зихлахга қайтди. У ўзининг ўртоқлари — Яҳудо оқсоқолларига тортиб олинган ўлжалардан жўнатиб: “Мана Эгамизнинг ғанимларидан тортиб олинган ўлжалардан сизларга инъомлар”, деб айтиб юборди. 27 Инъомлар қуйидаги шаҳарларнинг оқсоқолларига жўнатилди: Байтил, Нагав чўлидаги Рамўт шаҳри, Ятир, 28 Арор, Сифмўт, Эштамўва, 29 Рахол, Ярахмал уруғи ва Хайин халқининг шаҳарлари, 30 шунингдек, Хўрмах, Бўр–Ошон, Отах 31 ва Хеврон шаҳарлари. Довуд одамлари билан кезган ерларнинг ҳаммасига ўлжалардан жўнатди.

31–БОБ

Шоул билан ўғиллари ҳалок бўладилар

[1] Филистлар эса шу пайтда Исроил лашкари билан жанг қилишаётган эди. Исроил лашкари Филистларнинг олдига тушиб қочди, кўплари Гилбова тоғида* ҳалок бўлди. [2] Энди Филистлар Шоул билан унинг ўғиллари ортидан тушдилар. Натижада Шоулнинг ўғиллари Йўнатан, Абунадав ва Малкишува ўлдирилди. [3] Шоулнинг атрофида жанг тобора авжига чиқди. Шу пайт Филист камонкашлари Шоулга қарата ўқ отдилар. Шоул оғир яраланди. [4] У қуролбардорига:

— Қиличингни суғургин–да, менга санч, токи анави суннатсизлар келиб, менга қилич солиб, хўрламасинлар, — деди. Лекин қуролбардори қўрқди, Шоулнинг айтганини қилмади. Шунда Шоул қиличини қинидан суғуриб, ўзини қилич устига ташлади. [5] Қуролбардори ҳам Шоулнинг ҳалок бўлганини кўриб, ўзини қиличи устига ташлаб, Шоул билан бирга ўлди. [6] Шундай қилиб, Шоул, унинг учала ўғли, қуролбардори ва ҳамма сипоҳлари бир кундаёқ ҳалок бўлишди.

[7] Йизрил водийсининг* нарёғида ва Иордан дарёсининг шарқ томонида яшайдиган Исроил халқи ўз сипоҳларининг қочганини, Шоул билан ўғиллари ўлганини кўришди–ю, шаҳарларини ташлаб қочишди. Филистлар бу шаҳарларга келиб ўрнашиб олишди.

[8] Эртаси куни Филистлар ҳалок бўлганларни талон–тарож қилгани жанг майдонига келишди. Бирдан улар Гилбова тоғида Шоул билан учала ўғлининг жасади ётганини кўриб қолишди. [9] Улар Шоулнинг бошини кесиб, қуролларини олишди. Филист юрти бўйлаб хабарчилар жўнатиб, бу хушхабарни ўз бутхоналарида эълон қилиб, халққа эшиттиришди. [10] Шоулнинг қурол–аслаҳасини Аштарет* уйига қўйишди, жасадини эса Байт–Шан шаҳрининг деворига қоқиб қўйишди.

[11] Филистлар Шоулни қандай аҳволга солганини Гиладдаги Ёбош* аҳолиси эшитиб қолди. [12] Шунда ҳамма жасур йигитлар тун бўйи юриб, Байт–Шанга боришди. Шоул билан ўғилларининг жасадларини Байт–Шан деворидан олиб, Ёбош шаҳрига келтиришди ва у ерда куйдиришди. [13] Суякларини йиғиштириб, Ёбошдаги юлғун дарахти* тагига дафн қилгач, етти кун рўза тутишди*

ИЗОҲЛАР

1:1 *Рама* — ибронийча матнда *Раматайим*. *Рама* — *Раматайим*нинг қисқа шакли (шу бобнинг 19–оятига қаранг).

1:3 *Шилў* — Қуддусдан қарийб 32 километр шимолда жойлашган бу шаҳар Исроил халқи сажда қиладиган асосий жой бўлиб қолган эди.

1:4 *бир улуш* — баъзи қурбонликлар оловда бутунлай куйдирилмасдан, маълум бир қисми куйдирилар, бир қисми эса руҳонийларга берилар эди. Қолганини қурбонлик келтирган одамнинг оила аъзолари ва меҳмонлари тановул қилишарди (Левилар 3:1-17, 7:11-18 га қаранг).

1:5 *...яхши жойидан бир улуш берарди* — ёки *...икки улуш берарди*.

1:7 *Эгамизнинг уйи* — Исроил халқи Эгамизга сажда қиладиган асосий жой Шилўдаги Муқаддас чодир эди. Бу пайтда Қуддусдаги Маъбад ҳали қурилмаган эди.

1:11 *...ўша ўғлимни умрбод Сенга назр қилган бўлардим* — ибронийча матнда алоҳида бир сўз ишлатилган бўлиб, бу сўз Худога хизмат қилиш учун махсус ваъда берган одамни билдиради. Баъзи инсонлар махсус ваъда бериб, ўзларини бирмунча вақт Худонинг хизматига бағишлар эдилар. Баъзи бировлар эса туғилган пайтлариданоқ шу ваъда орқали Худога бағишланганлар. Таврот қонунига кўра, ўзини Худога бутунлай бағишлаб, назр қилган одам шароб ёки май ичмаслиги, сочини қирқмаслиги, мурдага тегмаслиги керак эди (Саҳрода 6:1-8, 21 га қаранг).

1:20 *Шомуил* — ибронийчадаги маъноси *Худодан тилаб олдим* ёки *Худо эшитди*.

1:22 *Гўдак кўкракдан чиққандан кейин...* — у вақтда болалар одатда икки ёшларда кўкракдан чиқарилар эди.

1:23 *Эгамиз Ўз ваъдасини бажо қилсин* — ибронийча матндан. Қумрон қўлёзмаларида, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималарда *Эгамиз сенинг оғзингдан чиққан сўзни барқарор қилсин*.

1:24 *уч ёшли буқа* — Қумрон қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *учта буқа*.

1:24 *бир тоғора* — ибронийча матнда *бир эфа*, тахминан 22 литрга тўғри келади.

1:28 *улар* — қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *у*.

2:6 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

2:8 *замин устунлари* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубидан чиққан улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Улар, бу устунларнинг остидаги пойдевор сирли, фақат Яратганга аёндир, деб тушунганлар.

2:15 *...қурбонликнинг ёғини куйдирмасдан олдин...* — қурбонликларнинг ёғи Эгамизга тегишли эди, шунинг учун қурбонликнинг гўштини пишириб тановул қилишдан олдин, унинг ёғи назр сифатида куйдирилиши лозим эди (Левилар 3:3-4, 9-10, 14-15 га қаранг).

2:18 *руҳонийларнинг муқаддас либоси* — ибронийча матнда *зиғир матосидан тикилган эфод*, яъни руҳонийлар кийиб юрадиган либос.

2:19 *кийим* — ибронийча матндаги бу сўз тўнни ёки руҳонийлар киядиган ридони билдиради. Шомуил ёш бола бўлганига қарамай, онаси унга руҳонийлар киядиган кийимларни тикиб берган эди.

2:22 *Учрашув чодири* — Муқаддас чодирнинг яна бир номи (1:7 изоҳига қаранг).

2:22 *Учрашув чодирига кираверишда хизмат қиладиган аёллар…* — бу аёллар гуруҳи ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган. Улар Муқаддас Китобнинг яна бир жойида — Чиқиш 38:8 да тилга олинган. Эҳтимол, бу аёллар алоҳида бир ваъда бўйича ўзларини Худога назр сифатида бағишлаб, Унга хизмат қилганлар (Саҳрода 6:1-2 га қаранг).

3:3 *Эгамизнинг Маъбади* — Исроил халқи Эгамизга сажда қиладиган асосий жой Шилўдаги Муқаддас чодир эди (1:3 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Бу пайтда Қуддусдаги Маъбад ҳали қурилмаган эди.

3:3 *Худонинг чироғи* — Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасида турган бу олтин чироқпоядаги шамчироқлар, Тавротдаги қонунга кўра, тун бўйи ёниб туриши керак эди (Чиқиш 27:20-21 га қаранг).

3:15 *Эгамизнинг уйи* — Исроил халқи Эгамизга сажда қиладиган асосий жой Шилўдаги Муқаддас чодир эди (1:3 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Бу пайтда Қуддусдаги Маъбад ҳали қурилмаган эди.

4:1 *Шу орада* — тахминан милоддан олдинги 1050 йил.

4:1 *…Эванзор деган жойда…Офоқ шаҳрида…* — Исроилнинг шимоли–шарқий чегарасига туташ бўлган, Филистлар назорат қилиб турган ерларга қарашли иккита жой.

4:4 *икки каруб* — Аҳд сандиғининг қопқоғи устидаги қанотли самовий мавжудотлар ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

4:8 *қудратли худолар* — Филистларнинг нотўғри тасаввурига кўра, яҳудийлар ҳам кўп худоларга топинар эдилар.

4:12 *…жанг майдонидан…Шилўга…* — Шилўгача бўлган масофа қарийб 37 километрни ташкил қилган.

4:21 *Ихабод* — ибронийчадаги маъноси *улуғворлик йўқ*.

5:1 *Ашдод шаҳри* — Филистларнинг бешта шаҳридан биттаси (6:17 га қаранг).

5:5 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

6:9 *Байт–Шамаш шаҳри* — Филистлар ҳудудидан қарийб 20 километр шарқда жойлашган, Исроил халқига қарашли шаҳар.

6:13 *…буғдой ўраётган эди* — буғдой май ва июнь ойларида ўриларди.

6:18 *…шу кунгача…* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

6:19 *етмиш киши* — баъзи иброний қўлёзмаларидан. Иброний қўлёзмаларининг аксариятида ва қадимги юнонча таржимада *эллик минг етмиш киши*.

6:21 *Хират–Йўрим* — Байт–Шамашдан қарийб 11 километр масофада, Қуддусдан эса 15 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар.

7:5 *Миспах* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган шаҳар.

7:12 *Эванзор* — ибронийчадаги маъноси *ёрдам тоши*.

7:14 *Амор халқлари* — бу ўринда умумий ном бўлиб, бу ном остида ўша вақтларда

Канъонда истиқомат қилган Исроил халқидан бошқа жамики халқлар назарда тутилган.

8:2 *Бершеба шаҳри* — Исроилнинг жанубий қисмида, Шимўн қабиласи ҳудудида жойлашган.

8:16 *ҳўкизларингиз* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *йигитларингиз*.

9:8 *бир кумуш танга* — ибронийча матнда *чорак шақал кумуш*, тахминан 3 граммга тўғри келади.

9:26 *...том устида ётган...* — у вақтларда уйларнинг томи текис бўлгани учун, одамлар кўпинча томга чиқиб ётишарди.

10:5 *Худонинг тепалиги деб аталган Гиво* — ибронийча матнда *Гивот–Элохим*.

10:12 *Қўшниларидан бири эътироз билдирди...Ҳар ким ҳам пайғамбар бўлиши мумкин* — ибронийча матнда *Қўшниларидан бири шундай деди: "Уларнинг отаси эса ким?!"*

10:17 *Миспах* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган шаҳар.

10:20 *Қуръа ташлаб...* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

10:25 *...Эгамизнинг уйига...* — ибронийча матнда *...Эгамизнинг олдига...*, яъни Шилўдаги саждагоҳга (3:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Шомуил бу китобни Аҳд сандиғи ёнидаги жойга қўйган бўлса керак (Қонунлар 31:26 га қаранг).

11:1 *Оммон* — бу юрт Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди.

11:1 *Ёбош шаҳри* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган Исроил халқига қарашли шаҳар.

11:8 *Базах шаҳри* — Иордан дарёсининг ғарб томонида жойлашган.

12:11 *Гидўн* — Ҳакамлар 6:1-8:35 га қаранг. Ибронийча матнда *Еруббаал*, Гидўннинг яна бир исми (Ҳакамлар 6:32, 7:1 га қаранг).

12:11 *Барақ* — Ҳакамлар 4:1-24 га қаранг. Ибронийча матнда *Бадон*, Барақнинг яна бир исми.

12:11 *Йифтох* — Ҳакамлар 11:1-12:7 га қаранг.

12:11 *Шимшўн* — Ҳакамлар 13:1-16:31 га қаранг.

12:11 *ҳакамлар* — Исроилда шоҳлик жорий бўлмасдан олдин Исроилнинг йўлбошчилари ҳакамлар деб аталган. Исроил халқи душманларига қарши уруш очганда, ҳакамлар лашкарбоши сифатида хизмат қиларди. Шунингдек, ҳакамлар қози вазифасини, айрим ҳолларда диний вазифаларни ҳам бажарар эдилар. Ҳакамлар 2:16-19 га қаранг.

13:1 *ўттиз* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда рақам ёзилмаган.

13:1 *...Исроилда қирқ икки йил шоҳлик қилди* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна Ҳаворийлар 13:21 га қаранг). Ибронийча матнда *...Исроилда...икки йил шоҳлик қилди*. Ибронийча матндаги бу рақам тўлиқ эмас.

13:2 *Йўнатан* — шоҳ Шоулнинг ўғли (шу бобнинг 16–оятига қаранг).

13:3 *Гебо шаҳри* — Гиво ва Михмаш орасида жойлашган.

13:5 *уч мингта* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *ўттиз мингта*.

13:8 *Шомуил Шоулга…айтгани учун…* — 10:8 га қаранг.

13:17 *илғорлар* — лашкарнинг энг олдинги сафда, жангга биринчи бўлиб кирадиган қисми.

13:20 *ўроқлар* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *чўкичлар*.

13:21 *икки мисқол кумуш* — ибронийча матнда *бир пим*, тахминан 8 граммга тўғри келади.

13:21 *говрон* — йўғон новдадан қилинган, учи ўткирланган подачилар таёғи. Подачилар говрон билан молларни ниқтаб, юришга ундайди.

13:21 *бир мисқол кумуш* — ибронийча матнда *бир шақалнинг учдан бир қисми*, тахминан 4 граммга тўғри келади.

14:14 *кичкина майдон* — ибронийча матнда *ярим бўйинтуруқ*, яъни бир жуфт ҳўкиз бир кунда шудгор қиладиган даланинг ярмига тўғри келадиган ер бўлаги (тахминан 0,2 гектар).

14:15 *илғорлар* — 13:17 изоҳига қаранг.

14:18 *Худонинг Сандиғини олиб кел…Исроил халқи билан эди* — ибронийча матндан. Қадимги юнонча таржимада *Эфодни олиб кел, — деди. Ўша пайтда у эфодни Исроил халқи олдида кўтариб юрарди*.

14:31 *Ойжавлон* — Михмашдан қарийб 32 километр ғарбда жойлашган.

14:33 *…гўштни қони билан еб…гуноҳ иш қиляпти* — Таврот қонуни бўйича, Исроил халқи сўйилган молнинг қонини чиқаргандан сўнггина, гўштини пиширириб тановул қилишлари лозим эди (Ибтидо 9:4, Левилар 17:11, Қонунлар 12:23 га қаранг).

14:34 *…шу ерда…* — Шоул келтирган катта тошнинг устида (шу бобнинг 33–оятига қаранг). Мол–қўйларни тош устида сўйиб, қонини ерга оқизиш учун шундай қилинган эди.

14:36 *…Худонинг хоҳиш–иродасини билайлик…* — шоҳ бирор муҳим қарор чиқаришдан олдин, Худонинг хоҳишини билиш учун руҳонийларга мурожаат қиларди. Бундай ҳолларда руҳонийлар Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалардан фойдаланишарди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг. Худо Ўз хоҳиш–иродасини одамларга баъзан пайғамбарлар ёки тушлар орқали билдирган (28:6 ва 2 Шоҳлар 2:1 га қаранг).

14:41 *…қуръа ташланди…* — 10:20 изоҳига қаранг.

14:49 *Ишбосит* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йишви*.

15:2 *Омолек халқи* — Исроилдан жануби–ғарбда, Синай ярим оролида яшаган халқ.

15:2 *…уларнинг йўлини тўсиб қўйган эди* — Чиқиш 17:8-14, Қонунлар 25:17-19 га қаранг.

15:5 *сойлик* — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

15:12 *Кармил шаҳри* — Хевронданқарийб 11 километр жанубда жойлашган.

16:1 *қўчқор шохи* — ҳайвоннинг ишлов берилган шохларидан баъзан идиш сифатида фойдаланилган.

16:5 *Ўзларингизни покланглар…* — диний хизматни лозим даражада бажаришга монелик қиладиган нопокликдан тозаланиш маросими назарда тутилган.

17:1 *Сўху билан Озикаҳ шаҳарлари* — Сўху Исроил халқига қарашли, Озикаҳ эса Филистларнинг қўли остида эди.

17:4 *олти тирсагу бир қарич* — ибронийча матндан, тахминан 3 метрга тўғри келади. Қумрон қўлёзмаларида ва қадимий юнонча таржимада *тўрт тирсагу бир қарич*, тахминан 2 метрга тўғри келади. Баъзи қадимги қўлёзмаларда 4 ва 6 сонларини тасвирлайдиган ибронийча ҳарфлар бир–бирига жуда ўхшайди.

17:5 *уч ярим пуд* — ибронийча матнда *беш минг шақал*, тахминан 57 килога тўғри келади.

17:7 *ярим пуд* — ибронийча матнда *олти юз шақал*, тахминан 8,5 килога тўғри келади.

17:12 *Эфрат* — Байтлаҳм шаҳри атрофидаги ерлар.

17:17 *бир тоғора* — ибронийча матнда *бир эфа*, тахминан 22 литрга тўғри келади.

18:1 *Йўнатан* — Шоулнинг тўнғич ўғли (14–бобга қаранг).

18:25 *Филистнинг суннат териси* — Филистлар, Исроил халқидан фарқли равишда, хатна қилинмасдилар. Қадимги вақтларда жангчилар ғанимларнинг нечтасини ўлдирганини кўрсатиш учун далил сифатида уларнинг танасидан бирорта аъзосини кесиб олишарди.

19:13 *бут* — ибронийча матнда *терафим* (шу бобнинг 16–оятида ҳам бор). *Терафим* хонаки санам бўлиб, фол очиш учун ишлатилган бўлиши мумкин. Чамаси, бу оятларда инсон қиёфасидаги бут тўғрисида сўз кетмоқда. Михал бефарзанд бўлгани учун шунга ўхшаш бутни уйида яширинча сақлаган бўлиши мумкин.

19:24 *"Наҳотки Шоул ҳам пайғамбар бўлса?!"* — 10:11-12 да ҳам бу маталнинг келиб чиқиши ҳақида ёзилган.

20:5 *Шоҳ билан…ўтиришим керак* — янги ой шодиёнасида ҳар бир одам ўз оиласи билан муқаддас таом маросимини нишонлаши шарт эди.

20:25 *…Шоулнинг рўпарасидан…* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *…Йўнатан ўрнидан турди…*, Йўнатан Абнурга жой бериб, ўзи бошқа жойга бориб ўтирган бўлиши мумкин.

20:26 *…ҳаром бўлган–у, ювинмагандир…* — янги ой шодиёнасида дастурхонга муқаддас таомлар тортилган, шунинг учун дастурхон атрофида фақатгина покланган одамларгина ўтириши мумкин эди.

21:1 *Нав шаҳри* — Қуддусдан қарийб 4 километр шарқда жойлашган.

21:4 *…аёллардан ўзларини тийган бўлишса…* — аёл киши билан жинсий алоқада бўлган одам булғанган ҳисобланиб, маълум бир вақт мобайнида ҳеч қандай диний маросимда иштирок эта олмасди (Левилар 15:16-18 га қаранг).

21:4 *назр қилинган нон* — Худога назр қилинган нонлар (шу бобнинг 6–оятига ва Левилар 24:5-9 га қаранг). Одатда бундай нонларни фақатгина руҳонийлар

тановул қилишлари мумкин эди.

21:7 *Эдом* — бу юрт Исроилдан жанубда жойлашган эди.

21:10 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

22:1 *Адуллам шаҳри* — Қуддусдан қарийб 24 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

22:3 *Мўаб* — бу юрт Ўлик денгизнинг шарқий қирғоғида жойлашган эди.

22:6 *Гиво* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган.

22:6 *юлғун дарахти* — тез ўсадиган майда баргли дарахт. Бу дарахтлар иссиқ ва қуруқ жойларда ўсади.

22:7 *Эссайнинг ўғли* — Довуд.

22:7 *Эй Бенямин одамлари…қилиб ўтирадими?!* — Шоул Бенямин қабиласидан, Довуд эса Яҳудо қабиласидан эди. Довуд юқори лавозимларни Бенямин авлодларига эмас, ўз қабиладошларига бермоқчи эканлигини Шоул олдиндан айтяпти.

22:9 *Эдом* — 21:7 изоҳига қаранг.

22:10 *…Эгамизнинг хоҳиш–иродасини сўради* — 14:36 изоҳига қаранг.

22:18 *муқаддас либос* — ибронийча матнда *зиғир матосидан тикилган эфод*, яъни руҳонийлар кийиб юрадиган либос.

23:1 *Кейлах шаҳри* — Қуддусдан қарийб 25 километр жануби–ғарбда жойлашган.

23:2 *…Эгамиздан сўради* — 14:36 изоҳига қаранг.

23:3 *Кейлах* — бу шаҳар Филистлар ҳукмронлик қилган ҳудудга яқин жойлашган эди.

23:14 *Зиф чўли* — Хевррондан қарийб 16 километр жануби–шарқда, Зиф шаҳрининг ёнида жойлашган.

23:19 *Йишмон* — Яҳудонинг жанубий чегарасига яқин бўлган саҳродаги жой.

23:24 *Моюн чўли* — Зиф шаҳридан жанубдаги ёндош чўл (шу бобнинг 14–оятига қаранг).

23:28 *“Қутулиш қояси”* — ибронийча матнда *“Села–Хаммахлекўт”*, маъноси *силлиқ қоя*.

24:1 *Эн–Гедидаги пана жойлар* — Зифдан қарийб 25 километр шарқда, Ўлик денгизнинг ғарбий қирғоғига яқин бўлган жой.

25:2 *Кармил шаҳри* — Хевррондан қарийб 11 километр жанубда жойлашган.

25:8 *зиёфат куни* — қўйларнинг жунини қирқиш байрам сифатида нишонланар эди.

25:18 *икки тоғора* — ибронийча матнда *беш сеха*, тахминан 37 килога тўғри келади.

25:18 *…ҳовуч майиз…ҳовуч анжир қоқи…* — қадимги пайтларда одамлар узум ва анжирларни қуритгандан кейин, қоқиларни ҳовучларида қаттиқ сиқиб, думалоқ шакл берганлар. Шу тариқа қоқилар узоқ вақт сақланган ва кундалик истеъмол қилинадиган егулик бўлган.

25:22 *…Худо менинг жазоимни берсин…* — қадимий юнонча таржимадан.

Ибронийча матнда *...Худо душманларимнинг жазосини берсин....*

25:44 *Михал* — 18:20-27 га қаранг.

26:1 *Йишмон* — Яҳудонинг жанубий чегарасига яқин бўлган саҳродаги жой.

26:6 *Зеруя* — Довуднинг опаси, Абушай билан Йўаб эса Довуднинг жиянлари эди (1 Солномалар 2:16 га қаранг).

26:19 *...бегона худоларга хизмат қил...* — қадимда одамлар, ҳар бир юртнинг ўз худоси бор ва у худоларга фақатгина ўша юртларда сажда қилиш мумкин, деб ишонишган. Ҳатто Исроил халқининг Худоси ҳақида ҳам шундай тасаввурда бўлишган.

26:20 *каклик* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *бақирадиган*, бу сўз какликка ишора қилиб, шу бобнинг 14–оятидаги *...чақириб...бақириб...* деб таржима қилинган феълга ўзакдош. Довуд бу ўринда сўз ўйинидан фойдаланиб, ўзини шоҳ томонидан овланаётган какликка ўхшатади.

27:2 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

27:10 *...Яҳудонинг Нагав чўлидаги ҳудудлари...Ярахмал уруғи ерлари...Хайин халқи ерлари...* — Ярахмал уруғи Яҳудо қабиласига мансуб, Хайин халқи Яҳудонинг иттифоқдоши эди. Охиш "Довуд ўз қабиласи Яҳудога ва Яҳудо қабиласининг иттифоқдошига ҳужум қилган", деб ўйлашини Довуд истаган эди.

28:4 *Гилбова тоғи* — Жалила кўлидан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган.

28:6 *руҳонийлар* — ибронийча матнда *Урим*, руҳонийларга ишора. Шоҳ бирор муҳим қарор чиқаришдан олдин, Худонинг хоҳишини билиш учун руҳонийларга мурожаат қиларди. Бундай ҳолларда руҳонийлар Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалардан фойдаланишарди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг. Худо Ўз хоҳиш–иродасини одамларга баъзан пайғамбарлар ёки тушлар орқали билдирган (14:36 ва 2 Шоҳлар 2:1 га қаранг).

28:7 *Эн–Дўр* — Гилбова тоғидан қарийб 16 километр шимолда жойлашган шаҳар.

28:13 *Ер остидан...* — бу ерда *Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. 2:6 изоҳига қаранг.

28:19 *...менинг ёнимда бўласизлар* — ҳалок бўлиб, ўликлар диёрига — *Шеўл*га келасизлар, демоқчи.

29:1 *Офоқ* — Исроилнинг шимоли–шарқий чегарасига туташ бўлган, Филистлар назорат қилиб турган ерларга қарашли шаҳар.

29:11 *Йизрил* — Офоқдан қарийб 120 километр масофада жойлашган шаҳар.

30:1 *Нагав чўли* — ҳозирги Исроилнинг жанубида, Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган ерлар.

30:7 *Абуатар* — 23:6 га қаранг.

30:8 *...Эгамиздан...деб сўради* — 14:36 изоҳига қаранг.

30:12 *...ҳовуч анжир қоқи...ҳовуч майиз...* — 25:18 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

30:14 *Нагав чўлидаги Харет халқи ҳудуди...Зихлах шаҳри...* — бу жойлар Яҳудо ҳудудининг жанубидаги саҳрода эди. Эҳтимол, Харет халқи Филистларга қондош халқ бўлган.

30:25 *бугунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

31:1 *Гилбова тоғи* — Жалила кўлидан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган.

31:7 *Йизрил водийси* — Гилбова тоғидан шимоли–шарқда жойлашган.

31:10 *Аштарет* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик ва уруш худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган.

31:11 *Ёбош* — 11:1-11 га қаранг.

31:13 *юлғун дарахти* — 22:6 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

31:13 *...етти кун рўза тутишди* — ўша даврдаги урф–одатларга кўра, азадорлар рўза тутишарди.

ШОҲЛАР
(ИККИНЧИ КИТОБ)

Кириш

“Шоҳлар (иккинчи китоб)”нинг кўп қисми шоҳ Довуднинг ҳукмронлиги даврида юз берган воқеаларнинг тарихидир. Мазкур китобда шоҳ Довуднинг қозонган зафарлари, амалга оширган эзгу ишлари, қилган гуноҳлари ва ўша гуноҳларнинг оқибатлари ҳақида баён қилинади. Худога бўлган итоаткорлик барака келтиришини, итоатсизлик эса жазо ва кулфат келтиришини шоҳ Довуд ҳаётида яққол кўришимиз мумкин.

“Шоҳлар (биринчи китоб)” ва “Шоҳлар (иккинчи китоб)”нинг асл нусхаси битта ибронийча китоб бўлиб, иккала қисмини битта ўрамга жойлаш узунлик қилгани учун, китоб икки қисмга — “Шоҳлар (биринчи китоб)” ва “Шоҳлар (иккинчи китоб)”га бўлинган.

Шоҳ Шоулнинг ўлимидан кейин Яҳудо қабиласи Довудни ўзларига шоҳ қилиб танлайди. Қолган барча Исроил қабилалари эса Шоул ўғли Ишбоситни ўзларига шоҳ қиладилар. Довуд билан Ишбосит ўртасида етти йил уруш бўлади. Охири, Довуд жамики Исроил ва Яҳудо юртларининг шоҳи бўлади.

Довуд Қуддус шаҳрини Ёбус халқидан тортиб олиб, ўз шоҳлигининг янги пойтахти қилади ва Аҳд сандиғини бу ерга олиб келади. У Худога атаб Маъбад қуришни ният қилади, у ерни Аҳд сандиғи сақланадиган бир жой қилмоқчи бўлади. Лекин Худо Довудга бундан–да юқори иззат–икром кўрсатмоқчи бўлади. У Довудга, Мен сен учун бир хонадон яратаман, номингни машҳур қиламан, сен қудратли ҳукмдор бўласан, сенинг наслинг то абад шоҳ бўлади, деб ваъда беради. Кейинчалик, Довуднинг пушти камаридан бино бўлган ўғли Сулаймон Худога атаб, Маъбад қуради.

Довуд Исроилнинг душманларини мағлуб қилади ва кучли шоҳликнинг ҳукмдори бўлади. Шунга қарамай, у гуноҳга қўл уради. Бу гуноҳ оқибатида Худо Довудга оғир кулфат келтиради. Бу кулфатларнинг аксарияти ўз оиласи ичида юз беради.

Довуд бенуқсон инсон эмас эди–ю, лекин Худога содиқ бўлиб, ёлғиз Унга сажда қиларди. Шунинг учун Худо Довудга илтифот кўрсатади, шоҳлик тахтингни то абад мустаҳкам қиламан, дея ваъда бериб, унинг сулоласини барқарор қилади.

1–БОБ

Довуд Шоулнинг ўлимидан хабар топади

1 Шоул ҳалок бўлгандан кейин, Довуд Омолек халқини енгиб, Зихлах шаҳрига
қайтиб келди ва у ерда икки кун қолди. 2 Учинчи куни Шоулнинг қароргоҳидан
Довуднинг олдига бир одам келди. У қайғудан кийимларини йиртган, бошига
тупроқ сочган*, аянчли аҳволда эди. Ўша одам Довуднинг олдига келгач, мук
тушиб, унга таъзим қилди.
3 — Қаердан келяпсан? — деб сўради Довуд.
— Исроил қароргоҳидан қочиб келдим, — деди у одам.
4 — Айт–чи, нима бўлди? — деб сўради Довуд.
— Сипоҳлар уруш майдонидан қочдилар, одамларимиздан кўплари
ўлдирилди, Шоул билан ўғли Йўнатан ҳам ҳалок бўлди, — деди у. Шунда Довуд:

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

5 — Шоул билан ўғли Йўнатаннинг ҳалок бўлганини қаердан биласан? — деб
сўради хабар келтирган йигитдан.
6 — Тасодифан Гилбова тоғига* борган эдим, — деб гапида давом этди у. —
Шоул найзасига зўрға суяниб турар, душман отлиқлари ва жанг аравалари эса
унга томон ёпирилиб келаётган экан. 7 Шоул орқасига қараб, мени кўриб қолиб
чақирди. “Лаббай”, дедим мен. 8 “Сен кимсан?” деб сўради Шоул. “Омолек
халқиданман”, дедим мен. 9 Сўнг у: “Бу ёққа кел, мени ўлдир. Тарашадай бўлиб
серрайиб қолдим–у, лекин жоним чиқмаяпти”, деди. 10 Шоҳ оғир яралангани учун
энди яшай олмаслигига кўзим етиб, уни ўлдирдим*. Бошидаги тожини ва
қўлидаги билакузугини олиб, сизга — жаноби олийларига келтирдим.
11 Довуд бу гапни эшитиб, қайғудан кийимларини йиртди. Бошқалар ҳам
шундай қилдилар. 12 Шоул ва унинг ўғли Йўнатан, Эгамизнинг лашкари — Исроил
халқидан кўпчилиги жангда ҳалок бўлган эдилар. Шунинг учун ҳаммалари
оқшомгача аза тутиб фарёд қилдилар, рўза тутдилар.
13 Довуд шум хабарни олиб келган йигитдан:
— Қаерликсан? — деб сўради.
— Мен Омолек халқиданман, бегона халқданман, — деди йигит.
14 — Эгам мой суртиб Шоулни шоҳ қилиб танлаган эди–ку! Шундай шоҳга қўл
кўтариб, ўлдиришдан қўрқмадингми? — деди Довуд унга. 15 Кейин Довуд битта
сипоҳини чақирди–да:
— Қани, ўлдир уни! — деб буюрди. Сипоҳ ўша Омолек йигитга бир қилич уриб
ўлдирди. Довуд унга қарата:
16 — Тилинг ўзингнинг бошингга етди. Эгам мой суртиб танлаган шоҳни мен
ўлдирдим, деб ўз оғзинг билан гувоҳлик бердинг, — деди.

Довуднинг марсияси

17 Шоул билан унинг ўғли Йўнатан учун Довуд марсия куйлади. 18 Сўнг, ушбу
марсия* Яҳудо халқига ўргатилсин, деб фармон берди. Бу марсия “Ёшур”
китобида* ёзилган.

19 “Эй Исроил, йўқ бўлди
Ғуруринг сенинг тепаликларингда,
Қандай қулаган экан довюраклар!
20 Бу хабарни Гатликларга эшиттирманг,
Ашқалон* кўчаларида ёйиб юрманг.
Токи Филист қизлари севинмасин,
Суннатсизларнинг қизлари шод бўлмасин.

21 Эй Гилбова тоғлари*,
Тепангизга шудринг, ёмғир тушмасин,
Ҳосилдор ерларингиз ҳосилсиз қолсин!
Ўша ерларда йўқотди шуҳратини
Баҳодирларнинг қалқони,
Шоулнинг қалқонига мой суртилмас энди*.

22 Бир дам тинмади Йўнатаннинг ёйи
Ер тишлаганлар қонидан
Ва йигитларнинг танасидан.
Шоулнинг қиличи беҳуда кўтарилмасди.

23 Шоул билан Йўнатан азиз ва дилкаш эдилар,

Ҳаётда ҳам, ўлганда ҳам бирга бўлдилар.
Бургутдан чаққон,
Шердан кучли эди улар.

24 Шоул учун аза тутинг, эй Исроил қизлари!
У сизларга шоҳона либослар кийдирганди,
Либосингизни олтин тақинчоқлар ила безаганди.

25 Урушда қандай қулаган экан довюраклар!
Эй Исроил, сенинг тепаликларингда Йўнатан жонсиз ётар.
26 Қайғураман сен учун, биродарим Йўнатан,
Менга кўп азизу қадрдон эдинг сен,
Нақадар ажойиб эди менга бўлган муҳаббатинг,
Аёлларнинг севгисидан ҳам ортиқ эди.

27 Қандай қулаган экан довюраклар!
Қандай йўқ бўлди жанг қуроллари.”

2–БОБ

Довуд Яҳудо шоҳи бўлади

1 Шундан кейин Довуд Эгамиздан:
— Яҳудо шаҳарларидан бирортасига борайми? — деб сўради*.
— Бор! — деди Эгамиз.
— Қайси шаҳарга борай? — деб сўради Довуд.
— Хевронга бор! — деб жавоб берди Эгамиз.
2 Довуд иккала хотини — Йизриллик Охинавам ва Кармиллик Наволнинг беваси Обигайл билан ўша ёққа жўнади. 3 Одамларини ҳам оилалари билан бирга олиб кетди. Ҳаммалари Хеврон атрофидаги шаҳарларга жойлашдилар. 4 Яҳудо халқи Хевронга бориб, Довуднинг бошига мой суртиб, уни Яҳудо устидан шоҳ қилиб тайинлашди.

Шунда улар Довудга: “Гиладдаги Ёбош шаҳри аҳолиси Шоулни дафн қилибди”, деб хабар етказишди. 5 Довуд хабарчилар орқали Ёбош аҳолисига шундай хабар жўнатди: “Шоул шоҳ жанобларига садоқатингизни кўрсатиб, уни дафн қилибсизлар. Бунинг учун сизларни Худо ёрлақасин. 6 Эгам сизлардан марҳаматини ва садоқатини дариғ тутмасин. Қилган хайрли ишингизга яраша сизларга яхшилик қилай. 7 Энди дадил, мард бўлинглар. Шоҳ жаноблари Шоул оламдан ўтдилар. Яҳудо халқи эса менга мой суртиб ўзларига шоҳ қилди.”

Ишбосит Исроилга шоҳ бўлади

8 Нар деган одамнинг ўғли Абнур* Шоулнинг лашкарбоши бўлган эди. Абнур Шоулнинг ўғли Ишбоситни Моханайим шаҳрига* олиб келди. 9 Уни Гилад, Ошер*, Йизрил, Эфрайим, Бенямин ҳудудларига — бутун Исроилга* шоҳ қилди.
10 Ишбосит қирқ ёшида шоҳ бўлиб, у Исроилда икки йил шоҳлик қилди.

Лекин Яҳудо халқи Довудга эргашди. 11 Довуд Хевронда Яҳудо халқига етти йилу олти ой шоҳлик қилди.

Исроил ва Яҳудо орасидаги уруш

12 Нар ўғли Абнур Ишбоситнинг одамларини бошлаб Моханайимдан чиқди ва Гивон шаҳрига* қараб юрди. 13 Довуднинг одамларига Зеруя* ўғли Йўаб бош бўлиб у ерга борганда, Гивон ҳовузи* ёнида Ишбоситнинг одамларига дуч келиб

қолди. Томонларнинг бири ҳовузнинг бир тарафида, иккинчиси бошқа тарафида тўхтади. 14 Абнур Йўабга:

— Қани, ҳар иккала томондан йигитлар рўпарамизда олишсинлар, — деди.

— Майли, олишаверсинлар, — деди Йўаб.

15 Ишбоситнинг Бенямин қабиласидан ўн иккитаси, Довуднинг одамларидан ҳам ўн иккитаси чиқди. 16 Улар бир қўли билан бир–бирларининг бошларини ушлашди, иккинчи қўли билан қиличларини бир–бирларининг биқинларига санчишди. Ҳаммалари бирга ерга йиқилиб жон беришди. Шу сабабдан Гивондаги ўша жойга “Тиғлар майдони”* деб ном берилган.

17 Ўша кунги жанг жуда қаттиқ бўлди. Барибир, Абнур бошчилигидаги Исроил одамлари Довуднинг одамларидан енгилди. 18 Зеруянинг уч ўғли — Йўаб, Абушай ва Осойил ҳам ўша куни у ерда эдилар. Осойил, худди кийикка ўхшаб, жуда чопағон эди. 19 У ўнгга ҳам, чапга ҳам бурилмай, тўппа–тўғри Абнурнинг изидан қувиб кетди.

20 Абнур орқасига қараб:

— Осойил, бу сенмисан? — деб сўради.

— Ҳа, менман, — деди Осойил.

21 — Ё ўнгга ёки чапга кет, йигитлардан бирортасига ҳамла қилиб, қурол–яроғини ол, — деди Абнур. Аммо Осойил Абнурнинг ортидан қолмади.
22 Абнур Осойилни яна огоҳлантирди:

— Мени қувлама, тағин абжағингни чиқариб юбормай! Акс ҳолда, аканг Йўабнинг юзига қандай қарайман?!

23 Барибир Осойил унинг ортидан қолмади. Абнур найзасининг орқа учи билан Осойилнинг қорнига бир урган эди, найза Осойилнинг орқасидан тешиб чиқди. Осойил ерга йиқилди–ю, жон берди. Ҳамма Осойил йиқилиб ўлган жойга етиб борди–ю, тўхтаб қолди.

24 Йўаб билан Абушай эса Абнурнинг изидан қолмади. Кун ботганда, улар Омоҳ тепалигига етиб боришди. Омоҳ Гивон чўлига борадиган йўлнинг шарқ томонидаги Гиёҳ деган жой яқинида эди. 25 Бенямин қабиласидан одамлар йиғилиб келиб, Абнурнинг атрофига бирлашди ва бир тепаликнинг устида тўхташди. 26 Сўнгра Абнур Йўабни чақириб, деди:

— Қачонгача бир–биримизни қирамиз?! Бунинг оқибати ёмон бўлишини биласан–ку! Одамларингга: “Бўлди, энди биродарларингизни таъқиб қилманглар”, деб қачон буйруқ берасан?

27 Йўаб эса шундай жавоб берди:

— Худо ҳақи, яхшиямки ўзинг айтдинг. Бўлмаса, одамларим эртага эрталабгача биродарларини таъқиб қилишни тўхтатмасдилар.

28 Йўаб бурғу чалдирди, ҳамма тўхтади. Шундан сўнг улар Исроил лашкарини таъқиб қилмадилар, улар билан жанг қилмадилар. 29 Абнур эса тун бўйи одамлари билан Иордан водийси* бўйлаб юриб, Иордан дарёсини кечиб ўтди, улар жарликни ёқалаб*, Моханайимга етиб келишди.

30 Йўаб Абнурни қувлашдан тўхтаб, орқасига қайтди ва ҳамма одамларини тўплади. Осойилдан ташқари, Довуднинг одамларидан яна ўн тўққиз киши ҳалок бўлган эди. 31 Лекин Довуднинг одамлари Абнурнинг қўли остидаги Бенямин қабиласидан уч юз олтмиш кишини ўлдирган эдилар. 32 Йўаб одамлари билан Осойилнинг жасадини олиб келиб, ота–боболарининг Байтлаҳмдаги хилхонасига дафн қилишди. Йўаб ва унинг одамлари туни билан йўл юриб, Хевронга етиб келишганда, тонг отган эди.

3–БОБ

Довуднинг Хевронда туғилган болалари

1 Шоул хонадони билан Довуд хонадони ўртасидаги уруш узоқ давом этди.
Шоулнинг хонадони заифлашган сари, Довуднинг хонадони кучайиб бораверди.
2 Довуднинг Хевронда туғилган ўғиллари қуйидагилардир:

тўнғичи — Омнўн. Омнўннинг онаси Йизриллик Охинавам эди.
3 Иккинчиси — Дониёр*. Дониёрнинг онаси Кармиллик Наволнинг беваси
Обигайл эди.
Учинчиси — Абсалом. Абсаломнинг онаси Гашур шоҳи Талмайнинг қизи
Махо эди.
4 Тўртинчиси — Одониё. Одониёнинг онаси Хаггит эди.
Бешинчиси — Шафатиё. Шафатиёнинг онаси Обида эди.
5 Олтинчиси — Йитром. Йитромнинг онаси Эглах эди.

Довуднинг бу ўғиллари Хевронда туғилган эдилар.

Абнур Довудга қўшилади

6 Шоул хонадони билан Довуд хонадони ўртасида уруш бўлганда, Шоулнинг
хонадонидан лашкарбоши Абнур тобора кучайиб бораверди. 7 Шоулнинг Ризпа
деган канизаги* бўларди. У Оё деган одамнинг қизи эди. Бир куни Ишбосит
Абнурга:
— Нимага отамнинг канизаги билан бирга бўлдинг? — деб қолди. 8 Абнур
Ишбоситнинг гапидан қаттиқ ғазабланиб:
— Мени, Яҳудога хизмат қилаётган кўппаклардан, деб ўйлаяпсизми? — деди.
— Бугунгача отангиз Шоулнинг хонадонига, хеш–ақрабосига, ёр–биродарларига
содиқ қолдим–ку. Сизни Довуднинг қўлига бермадим–ку. Энди эса ўша хотин
туфайли мени айблаяпсиз. 9-10 Эгамиз: “Шоҳликни Шоул хонадонидан тортиб
оламан, Дандан Бершебагача* бўлган жойда яшовчи Исроил ва Яҳудо халқи
устидан Довуднинг шоҳлигини барпо қиламан”, деб онт ичган. Энди мен ҳам
Довуд учун хизмат қилмасам, Худо мени не кўйга солса солсин, ҳатто ундан
баттарроғини қилсин.
11 Ишбосит Абнурдан қўрқди, унга чурқ эта олмади. 12 Шундан сўнг Абнур ўз
номидан Довудга чопарлар орқали шундай хабар берди: “Бу юртда сиз ҳукмрон
бўлишингиз керак. Мен билан аҳд қилинг. Ўшанда мен сиз томонда бўламан,
бутун Исроил халқини сизга мойил қиламан.”
13 Довуд шундай жавоб жўнатди: “Яхши, сен билан аҳд қиламан. Лекин битта
шартим бор: мени кўргани келганингда, Шоулнинг қизи, хотиним Михални ҳам
олиб кел. Акс ҳолда, мени кўра олмайсан.”
14 Довуд Ишбоситга ҳам элчилар орқали шу хабарни жўнатди: “Хотиним
Михални ўзимга қайтариб бер. Мен уни юзта Филистнинг суннат териси эвазига
олган эдим*.”
15 Ишбосит Михалнинг эри Палти* ҳузурига одамлар жўнатиб, Михални
олдириб келди. Палти Лайиш деганнинг ўғли эди. 16 Эри йўл бўйи йиғлай–йиғлай
Бохурим шаҳригача Михалга эргашиб борди. Кейин Абнур унга:
— Орқангга қайт! — деди. Палти қайтиб кетди.
17 Абнур Исроил оқсоқолларига шундай хабар жўнатди:
— Сизлар анчадан бери, Довуд бизга шоҳ бўлсин, деб орзу қилиб
келардингизлар. 18 Энди ҳаракат қилинглар. Чунки Эгамиз Довуд тўғрисида

гапириб: “Халқим Исроилни қулим Довуд орқали Филистларнинг ва жамики ғанимларининг қўлидан қутқараман”, деган.

19 Абнур Бенямин одамлари* билан юзма–юз гаплашди. Сўнг Исроил халқи ва
Бенямин қабиласи билдирган истаги тўғрисида Довуд билан гаплашгани
Хевронга борди. 20 Абнур йигирмата ҳамроҳи билан Довуднинг ҳузурига келди.
Довуд Абнур ва унинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат берди. 21 Абнур Довудга:

— Энди кетишга ижозат беринг, бутун Исроил халқини шоҳ ҳазратлари ҳузурига йиғиб келай, — деди. — Улар сиз билан аҳд қилганларидан кейин, ўзингиз истаган ҳамма жойда шоҳлик қилинг.

Довуд Абнурга ижозат берди. Абнур соғ–саломат ўз йўлига кетди.

Йўаб Абнурни ўлдиради

22 Худди шу пайтда Довуднинг Йўаб бошчилигидаги одамлари душман
шаҳрини талон–тарож қилиб қайтишди. Улар бир қанча мол–мулкни ўлжа қилиб
олиб келишди. Аммо Абнур Хевронда — Довуднинг ҳузурида эмас эди. Довуд
Абнурга ижозат бергандан кейин, у соғ–саломат кетган эди. 23 Йўаб ҳамма
жангчилари билан Хевронга етиб келганда, унга: “Абнур шоҳ ҳузурига келган эди,
шоҳ унга қайтиб кетишга ижозат берди, Абнур эсон–омон кетди”, деб айтиб
беришди.

24 — Нима қилиб қўйдингиз? — деди Йўаб шоҳнинг ҳузурига бориб. — Бу
қанақаси, сизнинг ҳузурингизга Абнур ўз оёғи билан келса–ю, сиз эса уни қўйиб
юборсангиз?! Абнур кетиб қолибди–ку. 25 Абнурни биласизми ўзи?! У сизни
алдаган, қаерга боришингизни, келишингизни, нима қилаётганингизни билиш
учун келган.

26 Йўаб Довуднинг ҳузуридан чиқибоқ, Абнурнинг орқасидан чопарлар
жўнатди. Чопарлар Абнурни Сиро сардобаси бўйидан қайтариб келишди. Довуд
бу воқеадан бехабар эди. 27 Абнурни Хевронга қайтариб келишгач, Йўаб: “Холи
гаплашиб олайлик”, деб уни дарвоза йўлагига олиб ўтди. Укам Осойилнинг ўлими
учун қасос олай деб, Абнурнинг қорнига пичоқ уриб, ўлдирди.

28 Довуд бу воқеани эшитгач, деди:

— Эгам олдида мен ҳам, шоҳлигим ҳам то абад Абнурнинг қони учун айбдор
эмас. 29 Унинг қони Йўаб ва унинг жамики ота хонадони гарданига тушсин.
Йўабнинг авлодидан яра тошган, тери касаллигига* чалинган, чўлоқ, урушда
ўлган, нонга зор бўлган кишилар ҳеч аримасин.

30 Йўаб акаси Абушай билан биргаликда Абнурни ўлдирди. Абнур Гивондаги
урушда уларнинг укаси Осойилни ўлдирган эди.

Абнур дафн қилинади

31 Сўнгра Довуд Йўаб билан унинг ҳамма одамларига шундай амр берди:

— Абнурнинг жасади тепасида йиғланглар. Кийимларингизни йиртиб, қанорга ўранинглар*.

Шоҳ Довуднинг ўзи тобутнинг орқасида борди. 32 Абнурни Хевронда дафн
қилишди. Шоҳ Довуд Абнурнинг қабри устида йиғлади. Ўша ерда ҳамма ҳўнг–ҳўнг
йиғлади. 33 Шоҳ Довуд Абнур учун йиғлаётиб, шундай марсия айтди:

“Эй Абнур, аҳмоқлардай ўлишинг керакмиди?!
34 Жиноятчилардай қўлларинг боғлиқ эмасди,
Жиноятчилардай оёқларингга кишан урилмаганди.
Инсофсизлар қўлига тушиб қолдинг сен,
Виждонсизлар дастидан нобуд бўлдинг сен.”

Ҳамма Абнурнинг тепасида яна йиғлади.

35 Қуёш ботмасдан олдин халқ Довуднинг ёнига бориб:

— Бирор нарса тановул қилиб олинг, — деб кўндирмоқчи бўлди.

— Қуёш ботмасдан олдин нон ёки бошқа бирор нарса тановул қилсам, Худо мени не кўйга солса солсин, ҳатто ундан баттарроғини қилсин, — деб онт ичди Довуд.

36 Шоҳнинг ҳамма қилган ишлари барчага маъқул келгани сингари, халқ унинг бу ишини ҳам маъқул топди. 37 Ўша куни бутун Исроил халқи Абнурнинг ўлдирилишида шоҳнинг қўли йўқлигини билди.

38 Шоҳ одамларига деди:

— Билмайсизларки, бугун Исроилдан бир йўлбошчи, улуғ бир инсон кетди. 39 Худо мой суртиб танлаган шоҳ бўлсам ҳам, бугун ожизман. Анави Зеруянинг ўғиллари мендан анча кучли. Эгам ёмонларнинг қилмишига яраша жазосини берсин.

4–БОБ

Ишбосит ўлдирилади

1 Ишбосит Абнурнинг Хевронда ўлдирилганини эшитди–ю, бўшашиб қолди. Бутун Исроил халқи ваҳимага тушди. 2 Ишбоситнинг хизматида Банах ва Рахав деган иккита одам бор эди, улар босқинчи тўдалар сардори эдилар. Ўзлари Барўт шаҳридан бўлиб, Бенямин қабиласидан Риммон деганнинг ўғиллари эди. Барўт шаҳри у вақтда Бенямин ҳудудига кирарди. 3 Барўт аҳолиси Гитайим шаҳрига қочиб кетган эди. Ўшандан буён улар келгинди бўлиб ўша ерда яшайдилар.

4 Шоулнинг наслидан Мефибосит деган иккала оёғи ҳам ногирон бола бор эди. У Йўнатаннинг ўғли эди. “Шоул билан Йўнатан ҳалок бўлди”, деб Йизрил шаҳридан хабар келганда, Мефибосит беш ёшда эди. Энагаси, болани олиб қочаман деб, шоша–пиша кетаётганда, болани қўлидан тушириб юборган, бола эса ногирон бўлиб қолган эди.

5 Бир куни Рахав билан Банах кун роса қизиган пайтда Ишбоситнинг уйига келишди. Туш пайти, Ишбосит ўзининг хонасида ухлаётган экан. 6-7 Иккала ака–ука буғдой олиш баҳонасида уйга киришди. Уйга кирганлари заҳоти, Ишбоситнинг қорнига ханжар уриб, уни ўлдирдилар. Сўнг унинг бошини кесиб олиб кетдилар.

Рахав билан Банах тун бўйи Иордан водийси* бўйлаб юришди.

8 Улар Ишбоситнинг бошини Хевронга — шоҳ Довудга олиб келишиб, унга шундай дейишди:

— Мана сизни ўлдирмоқчи бўлган ғанимингиз Шоулнинг ўғли Ишбоситнинг боши! Эгамиз бугун Шоулдан ва унинг хонадонидан шоҳ жаноблари учун ўч олди.

9 Бироқ Довуд Рахав билан укаси Банахга шундай деди:

— Жонимни ҳар турли бало–қазолардан асраган Худо шоҳид! 10 Шоулнинг ўлимини биттаси ўзича хушхабар деб олиб келган эди. Ўша одамни ушлаб, Зихлахда ўлдиртирган эдим. Унинг мукофоти шу бўлган эди! 11 Айбсиз одамни ўзининг уйида, тўшагида ўлдирган ёвуз кимсалар ҳам албатта ўлдирилади! Ҳозироқ сизлардан унинг хунини талаб қиламан, сизларни қуритиб юбораман!

12 Довуд йигитларига фармон берган эди, улар иккала ака–укани ўлдиришди. Сўнг қўл–оёқларини кесиб ташлаб, жасадларини Хевронда ҳовуз бўйидаги тик ўрнатилган ходаларнинг учларига қоқишди. Ишбоситнинг бошини Абнурнинг Хевронда хилхонасига олиб бориб дафн қилишди.

5–БОБ

Довуд Исроил ва Яҳудо шоҳи бўлади

1 Жамики Исроил қабилалари Хевронга — Довуднинг ҳузурига келиб шундай
дейишди:
— Биз ҳам сизнинг жигарингизмиз. 2 Илгари Шоул шоҳимиз бўлганда ҳам,
урушларда Исроил лашкарига ўзингиз бош бўлар эдингиз. Эгамиз сизга: “Сен
халқим Исроилнинг чўпони бўлиб, уларни боқасан, Исроилга сен раҳнамолик
қиласан”, деб айтган эди.
3 Шундай қилиб, Довуд Хевронда Исроил оқсоқоллари билан Эгамиз олдида
аҳд қилди. Исроил оқсоқоллари Довуднинг бошига мой суртиб, уни Исроил
устидан шоҳ қилиб кўтаришди. 4 Довуд ўттиз ёшида шоҳ бўлиб, қирқ йил шоҳлик
қилди: 5 Хевронда етти йилу олти ой Яҳудо устидан, Қуддусда эса ўттиз уч йил
бутун Исроил ва Яҳудо устидан шоҳ бўлди.
6 Шоҳ Довуд одамлари билан Қуддусда яшаётган Ёбус халқига қарши
отланганда, улар Довудга: “Сен бу ерга кира олмайсан, ҳатто орамиздаги кўрлар
билан чўлоқлар ҳам сени орқангга улоқтириб юборади”, дейишди. Ёбус халқи:
“Довуд шаҳримизни босиб ололмайди”, деб ўйлаган эди. 7 Аммо Довуд Сион
қалъасига* бостириб кириб, қалъани эгаллади. Кейинчалик бу қалъага “Довуд
қалъаси” деб ном берилди.
8 Ўша куни Довуд одамларига шундай деди:
— Кимки Ёбус халқини енгмоқчи бўлса, шаҳарга қувур орқали кириб, “чўлоқ”
ва “кўр” Ёбусларга ҳужум қилсин. Уларни кўргани кўзим йўқ.
Шу сабабдан: “Кўрлар билан чўлоқлар Худо уйига кирмайди” деган гап пайдо
бўлган.
9 Шундай қилиб, Довуд қалъани эгаллаб, бу ерни “Довуд қалъаси” деб атади. У
Қуддуснинг шарқ томонидаги Миллодан* бошлаб, бутун шаҳар атрофини девор
билан ўраб мустаҳкамлади. 10 Довуд тобора кучайиб борарди, чунки
Парвардигори Олам — Эгамиз унга ёр эди.
11 Тир* шоҳи Хирам Довудга элчилар жўнатиб, садр ёғочларини, дурадгорлар
ва тош терувчиларни ҳам йўллади. Улар Довудга бир сарой қуриб беришди.
12 Довуд энди билдики, Эгамиз уни Исроил устидан шоҳ қилиб тайинлаган экан,
Эгамиз Ўз халқининг ҳақи–ҳурмати учун унинг шоҳлигини юксалтирган экан.
13 Довуд Хеврондан Қуддусга келгандан кейин, бу ерда яна канизаклар*,
хотинлар олди, улар Довудга янада кўп ўғил–қизлар туғиб беришди. 14 Довуднинг
Қуддусда туғилган фарзандлари қуйидагилар эди: Шаммува, Шўвав, Натан,
Сулаймон, 15 Йибхар, Элишува, Нафах, Ёфия, 16 Элишама, Элёдах ва Элифалет.

Довуд Филистларни мағлуб қилади

17 Филистлар: “Исроил халқи Довудга мой суртиб шоҳ қилишибди” деган
хабарни эшитишди. Шундан кейин барча Филист лашкари Довудни қидириб
жангга отландилар. Довуд бу хабарни эшитиб, муҳофаза қўрғонига чиқди.
18 Филистлар келиб, Рафа водийсида* ёйилдилар. 19 Довуд Эгамиздан:
— Филистларга ҳужум қилайми? Уларни қўлимга берасанми? — деб сўради*.
— Ҳужум қил! — деб жавоб берди Эгамиз Довудга, — уларни албатта қўлингга
бераман.
20 Шундай қилиб, Довуд Баал–Перазимга кетди ва у ерда Филистларни
тор–мор қилди. Кейин шундай деди:
— Сув тўғондан тошиб, далани босгани сингари, Эгам ғанимларимни босиб,
олдимдан улоқтириб юборди.

Шу сабабдан бу ерга “Баал–Перазим”* деган ном берилди. 21 Филистлар ўша
ерда бутларини ташлаб қочган эдилар, Довуд одамлари билан ўша бутларни олиб
кетди.
22 Кўп ўтмай Филистлар яна Рафа водийсига келиб, жангга шай бўлиб
туришди. 23 Довуд тағин Эгамизнинг хоҳиш–иродасини сўради. Эгамиз эса
шундай жавоб берди: “Олд томонидан ҳужум қилма. Уларнинг орқасига айланиб
ўтгин–да, мумиё дарахтлари томондан яқинлашиб бор. 24 Мумиё дарахтлари
тепасида Менинг қадамим товушларини эшитганинг заҳоти уларга ҳужум қил.
Ўшанда Мен Филист лашкарини йўқ қилиш учун сенинг қаршингдан чиққан
бўламан.”
25 Довуд, Эгамиз амр берганидай қилиб, Гебодан Гезер шаҳригача бўлган
жойларда Филистларни тор–мор қилди.

6–БОБ

Довуд Аҳд сандиғини Қуддусга олиб келади

1 Довуд Исроил лашкаридан яна ўттиз минг сараланган одамларини тўплади.
2 Довуд ўз одамлари билан Яҳудодаги Баалах шаҳрига* жўнади. Унинг мақсади
икки каруб* орасида тахт қурган Сарвари Олам — Худонинг Сандиғини олиб
келиш эди. 3-4 Худонинг Сандиғи Абунадавнинг тепаликдаги уйида* эди.
Сандиқни янги арава устига ортишди. Абунадавнинг ўғиллари Уззох билан Охё
Сандиқ ортилган аравани ҳайдаб кетишди. Охё Сандиқнинг олдида бораётган
эди. 5 Довуд ва жамики Исроил халқи Эгамизнинг ҳузурида берилиб* ўйин–кулги
қилаётган эдилар. Улар лира, арфа, чилдирма, шақилдоқ ва зиллар чалиб,
қўшиқлар билан бу воқеани байрам қилаётган эдилар.
6 Нохун деган одамнинг хирмонига етиб борганларида, ҳўкизлар қоқилиб
кетди. Уззох қўлини узатиб Худонинг Сандиғини ушлаб қолди. 7 Лекин Уззох
ҳурматсизлик қилгани учун*, Эгамиз ундан ғазабланиб, ўша ердаёқ Уззохни уриб,
жонини олди. Уззох Худонинг Сандиғи ёнгинасида жон берди. 8 Эгамиз Уззохни
нобуд қилгани учун, Довуд қаттиқ ғазабланди. Ўша кундан буён шу жой
“Параз–Уззох”* деб айтилади.
9 Довуд ўша куни Эгамиздан қўрқиб: “Қандай қилиб Эгамнинг Сандиғини ўзим
билан олиб кела олар эканман?” деб ўйлади. 10 Эгамизнинг Сандиғини ўзи билан
Довуд қалъасига олиб боришни хоҳламай, уни Гатлик* Обидадомнинг уйига
ташлаб кетди. 11 Эгамизнинг Сандиғи у ерда уч ой турди. Эгамиз Обидадомга ва
унинг бутун хонадонига барака берди.
12 “Эгамиз Ўзининг Сандиғи учун Обидадомнинг бутун хонадонига, унга
қарашли ҳамма нарсага марҳамат қилди”, деб шоҳ Довудга хабар етказишди.
Шундай қилиб, Довуд бориб, Обидадомнинг уйидан Худонинг Сандиғини ўз
қалъасига катта тантана билан олиб келди. 13 Эгамизнинг Сандиғини олиб
бораётганлар олти қадам юришганда, Довуд бир буқа билан бир бўрдоқи бузоқни
қурбонлик қилди. 14 Довуд Эгамизнинг ҳузурида бутун вужуди билан ўйинга
тушарди. У ўшанда руҳонийларнинг муқаддас либосини* кийиб олган эди.
15 Довуд билан бутун Исроил халқи севинчли хитоблар, карнай садолари остида
Эгамизнинг Сандиғини олиб келишарди.
16 Улар Эгамизнинг Сандиғини Довуд қалъасига олиб киришаётганда,
Шоулнинг қизи Михал деразадан қараб турган эди. У Эгамизнинг олдида сакраб
ўйнаётган шоҳ Довудни кўрди–ю, ўз кўнглида уни паст кўрди.
17 Довуд Эгамизнинг Сандиғи учун бир чодир ўрнатган эди. Одамлар Сандиқни

ўша чодирнинг ичкарисига олиб кириб, махсус тайёрланган жойга қўйишди. Кейин Довуд Эгамизга куйдириладиган қурбонликларни ва тинчлик қурбонликларини келтирди. 18 У қурбонликлар қилиб бўлгандан кейин, Сарвари Олам номидан халқни дуо қилди. 19 Сўнг ҳаммага — эркагу аёлга, жамики Исроил жамоасига бир донадан гардиш нон, бир ҳовучдан хурмо* ва бир ҳовучдан майиз* тарқатди. Шундан кейин халқ уй–уйига тарқалди.

20 Довуд ўз оиласини дуо қилгани уйига келганда, Шоулнинг қизи — Довуднинг хотини Михал пешвоз чиқиб, Довудга шундай деди:

— Бугун Исроил шоҳи қандай ажойиб шуҳратга эришди–я! Худди бемаъни одамлардай, сен ярим яланғоч бўлиб, аъёнларингнинг чўрилари олдида ўзингни кўрсатдинг!

21 — Мен Эгам олдида ўйнадим! — деди Довуд. — У отанг ва унинг бутун хонадонидан мени ортиқ кўрган, Ўз халқи Исроилга мени раҳнамо қилиб танлаган. Ҳа, Эгам олдида албатта ўйнайман, 22 бундан буён ўзимни яна ҳам пастроқ тутаман, уларнинг олдида ўзимни янада ҳам кичик тутаман. Лекин билиб қўй, сен айтган ўша чўрилардан мен шараф топаман.

23 Шоулнинг қизи Михал умрининг охиригача бефарзанд ўтди.

7–БОБ

Худо Довудга сўз беради

1 Шоҳ Довуд ўз саройида яшар эди, Эгамиз эса уни тўрт тарафдаги ғанимларидан омон сақларди.

2 Шоҳ бир куни Натан пайғамбарга деди:

— Қаранг, мен садр ёғочидан қурилган уйда яшаяпман, Худонинг Сандиғи эса чодирда турибди.

3 — Кўнглингда нима бўлса, шуни қилавер, Эгам сен билан, — деди Натан.

4 Ўша куни кечаси Натанга Эгамизнинг сўзи аён бўлди:

5 “Қулим Довуднинг олдига боргин–да, унга шу гапларни етказ: «Эгам шундай айтмоқда: истиқомат қилишим учун уйни Менга сен қурмайсан. 6 Исроил халқини Мисрдан олиб чиққанимдан то шу кунгача бирор уйда яшаган эмасман. У ердан–бу ерга кўчиб юрдим, чодирда маскан қилдим. 7 Мен ҳеч қачон Исроил халқининг раҳнамоларига шикоят қилмадим. Уларнинг зиммасига халқимга чўпонлик қилиш вазифасини юклаган бўлсам–да, ҳеч қачон уларнинг бирортасига: ‘Нима учун Менга садр дарахти ёғочидан уй қуриб бермадингизлар?’ деб айтмадим.»

8 Энди қулим Довудга айт: «Сарвари Олам шундай демоқда: Мен сени яйловлардаги қўй суруви орасидан танлаб олиб, халқим Исроилга ҳукмдор қилдим. 9 Қаерга борсанг, сен билан бўлдим, ҳужум қилганингда, ҳамма ғанимларингни йўқ қилдим. Энди сенинг номингни оламдаги улуғ одамларнинг номи сингари машҳур қиламан. 10-11 Халқим Исроилга илк ҳакамларни тайинлаганимдан буён виждонсиз одамлар бу халқимни эзиб келдилар. Энди халқим Исроил учун бир юрт тайин этиб, уларни ўша ерга ўтқазаман. Улар ўз юртида истиқомат қилишади, бошқа беҳаловат бўлишмайди. Сени ҳамма ғанимларингдан тинч–омон сақлайман. Мен, Эганг, сен учун бир хонадон* яратаман, деб айтмоқдаман. 12 Сен оламдан ўтиб, ота–боболаринг ёнига дафн қилинганингдан кейин ҳам, Мен ўғилларингдан бирини, пушти камарингдан бино бўлган фарзандингни

шоҳ қилиб, унинг шоҳлигини мустаҳкамлайман. 13 Менга атаб уйни у
қуради. Мен эса унинг шоҳлик тахтини то абад мустаҳкам қиламан. 14 Мен
унга ота бўламан, у эса Менга ўғил бўлади. Агар гуноҳ қилса, ота ўғлини
жазолагандай, Мен ҳам уни жазолайман. 15 Сени шоҳ бўлсин деб, Шоулни
марҳаматимдан маҳрум қилган эдим. Лекин ўғлингдан ҳеч қачон
марҳаматимни дариғ тутмайман. 16 Хонадонинг ва шоҳлигинг Менинг
олдимда абадий туради, тахтинг то абад мустаҳкам бўлади.»”

17 Худо аён қилганларнинг ҳаммасини Натан Довудга айтди.

Довуднинг шукрона ибодати

18 Шундан кейин шоҳ Довуд Эгамизнинг ҳузурида ўтириб*, шундай ибодат
қилди:

“Эй Эгам Раббий! Мен ким бўлибман, хонадоним нима бўлибдики, Сен
мени бу қадар улуғладинг?! 19 Бунинг устига, эй Эгам Раббий, Сен келажак
замонда юз берадиган воқеалардан хабар бериб, бу қулингнинг хонадони
учун кўп ваъда бердинг. Сенинг бу ваъдаларинг жамики инсонларга
тегишли бўлсин*, эй Эгам Раббий! 20 Мен Сенга ортиқ нима дея олардим,
Эгам Раббий! Ахир, бу қулингни биласан–ку. 21 Берган ваъдангга, Ўз
хоҳишингга мувофиқ, шундай улуғвор иш қилдинг ва бу қулингга аён
этдинг.

22 Нақадар улуғворсан, эй Эгам Раббий! Сенга ўхшаган бошқа худо
ҳақида ҳеч қачон эшитмаганмиз. Сенинг асло ўхшашинг йўқ, Сендан ўзга
Худо йўқ! 23 Халқинг Исроилга ўхшаши йўқ! Эй Худойим, бошқа қайси
халқни Сен қулликдан халос қилиб, Ўзингнинг халқинг қилдинг?! Сен Ўз
халқингни Мисрдан олиб чиқиб, бутун оламга шуҳратингни ёйдинг. Буюк
ва ажойиб ишларинг орқали халқинг олдидан бегона халқлару худоларни
қувдинг*. 24 Халқинг Исроилни то абад Ўзингнинг халқинг қилдинг. Эй
Эгам, Сен уларнинг Худоси бўлдинг.

25 Эй Парвардигор Эгам! Бу қулингга ва унинг хонадонига қарата айтган
сўзингда то абад тур, берган ваъдангни бажар, 26 токи одамлар, Сарвари
Олам — Исроил халқининг Худоси экан, деб номингни то абад мақтаб
юрсинлар. Ҳа, қулинг Довуднинг хонадонини Ўзинг ҳар доим мустаҳкам
қилгин. 27 Эй Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам! Бу қулингга,
сенинг хонадонингни барпо этаман, деб аён этгансан! Шу сабабдан бу
қулинг Сенга шундай деб ибодат қилишга журъат этди.

28 Эй Эгам Раббий! Сен Худосан, сўзларинг — ҳақ. Сен бу қулингга ана
шундай эзгу нарсаларни ваъда қилгансан. 29 Агар Ўзинг маъқул кўрсанг, бу
қулингнинг хонадонига марҳамат қилгин, токи Сенинг ҳузурингда то абад
турсин. Сен сўз бергансан, эй Эгам Раббий! Сенинг марҳаматинг туфайли бу
қулингнинг хонадони то абад марҳаматга сазовор бўлғай.”

8–БОБ

Довуднинг зафарлари

1 Бирмунча вақт ўтгач, Довуд яна Филистларга ҳужум қилиб, уларни мағлуб
қилди, шу тариқа юртни уларнинг ҳукмронлигидан озод этди*. 2 Сўнг Мўаб
халқини ҳам мағлуб қилди. Асирларни ерга қатор қилиб ётқизиб, қаторни арқон
билан ўлчай бошлади. Бир ўлчаб, тирик қолдирди, икки ўлчаб ўлдирди. Шундай

қилиб, Мўаб халқининг тирик қолганлари Довудга қул бўлиб, ўлпон тўлайдиган бўлишди.

3 Зўво* шоҳи Ҳададзар ўз шоҳлигини бошқатдан ўрнатмоқчи бўлиб, Фурот
дарёси бўйларига юриш қилган эди. Довуд уни ҳам тор–мор қилди. Ҳададзар
Рехоб деганнинг ўғли эди. 4 Довуд Ҳададзарнинг 1700 нафар отлиқ, 20.000 нафар
пиёда сипоҳини асирга олди. Ўзининг 100 та жанг араваси учун керакли отларни
қолдириб, бошқа ҳамма отларни майиб қилди.

5 Дамашқдаги Орам халқи Зўво шоҳи Ҳададзарга ёрдамга келган эди, Довуд
улардан 22.000 кишини ўлдирди. 6 Сўнг Дамашқдаги Орам халқининг
шаҳарларига ўзининг қўнолғаларини жойлаштирди. Орам халқи ҳам Довудга
қарам бўлиб, ўлпон тўлайдиган бўлди. Шундай қилиб, Довуд қаерга бормасин,
Эгамиз уни зафарга эриштирди. 7 Довуд Ҳададзарнинг аъёнлари кўтариб
юрадиган олтин қалқонларни қўлга киритиб, Қуддусга келтирди. 8 Яна
Ҳададзарнинг қўли остидаги Тивхат* ва Барўтай шаҳарларидан кўп бронза олиб
келди.

9 Хомат* шоҳи Тўах “Довуд Ҳададзарнинг бутун лашкарини мағлуб қилибди”,
деб эшитиб қолди. 10 Тўах шоҳ Довуднинг ҳузурига ўғли Ёрамни юбориб, уни
қутлади, жангда Ҳададзардан ғолиб келгани учун Довудни олқишлади. Тўах
Ҳададзар билан узоқ вақтдан бери уришиб келарди. Ёрам Довудга олтин, кумуш,
бронза идишларни ҳадя қилиб олиб келди. 11 Шоҳ Довуд бу инъомларни босиб
олган юртлардан келтирган олтину кумушлар билан бирга Эгамизга назр қилди.
12 Булар Эдом, Мўаб, Оммон юртларидан, Филист ва Омолек халқларидан олиб
келинган, Зўво шоҳи Ҳададзардан олинган ўлжалар эди.

13 Довуд Туз водийсида* Эдом* халқидан 18.000 кишини ҳалок қилиб
қайтгандан сўнг, янада донг таратди.

14 Эдом юртининг ҳамма ерига ўз қўнолғаларини жойлаштирди. Эдом халқи
Довудга қарам бўлди. Довуд қаерга бормасин, Эгамиз уни зафарга эриштирди.

15 Довуд бутун Исроилда шоҳлик қилар экан, халқини одиллик билан
бошқарарди. 16 Зеруя ўғли Йўаб — лашкарбоши, Охилуд ўғли Ёҳушафат —
мушовир* эди. 17 Охитоб ўғли Зодўх билан Абуатар ўғли Охималек — руҳоний,
Сараё мирза эди. 18 Ёҳайидо ўғли Бинаё Харетлик ва Палатлик қўриқчиларнинг*
бошлиғи эди. Довуднинг ўғиллари эса руҳоний* эдилар.

9–БОБ

Довуд Мефибоситга яхшилик қилади

1 Бир куни Довуд:

— Шоул хонадонидан бирор одам қолдими? — деб сўради. — Агар бўлса,
Йўнатаннинг ҳақи–ҳурмати унга яхшилик қилайин.

2 Шоул хонадонида Зибах деган бир хизматкор бор эди. Уни Довуднинг
ҳузурига чақириб келишди.

— Сен Зибахмисан? — деб сўради шоҳ.

— Ҳа, жаноби олийлари, менман, — деди Зибах.

3 — Шоул хонадонидан бирорта одам қолганми? — деб сўради шоҳ. — Унга
Худонинг марҳаматини кўрсатайин.

— Йўнатаннинг бир ўғли бор, унинг иккала оёғи ҳам майиб*, — деди Зибах.

4 — Қаерда у? — сўради шоҳ.

— Лўдаворда, Омиёл ўғли Мохирнинг уйида, — деди Зибах.

5 Шоҳ Довуд Лўдавордаги Мохирнинг уйидан Мефибоситни ўз ҳузурига

чақиртирди. [6] Шоулнинг набираси Мефибосит Йўнатаннинг ўғли эди. Мефибосит Довуднинг ҳузурига келиб, мук тушиб таъзим қилди.

— Мефибосит! — деди Довуд.

— Қулингиз шу ерда, — деб жавоб берди Мефибосит.

[7] Довуд унга деди:

— Қўрқма, отанг Йўнатаннинг ҳақи–ҳурмати учун сенга яхшилик қилай. Бобонг Шоулнинг ҳамма ерларини сенга қайтариб бераман. Ўзинг эса ҳар доим менинг дастурхонимдан таом ейсан.

[8] Мефибосит таъзим қилиб:

— Мен, қулингиз, ким бўлибманки, ўлик итга ўхшаган мендек бир кимсага яхшилик қиляпсиз? — деди.

[9] Сўнг шоҳ Довуд Шоулнинг хизматкори Зибахни чақиртирди:

— Илгари Шоулга ва унинг хонадонига нима тегишли бўлса, ҳаммасини хўжайинингнинг набираси Мефибоситга бердим, — деди Довуд унга. [10] — Мефибосит учун сен ўғилларинг ва қулларинг билан бирга ерга ишлов бериб, ҳосил олинглар, токи хўжайинингнинг набираси эҳтиёжига яраша озиқ–овқат билан таъминлансин. Хўжайинингнинг набираси Мефибосит ҳар доим менинг дастурхонимдан таом ейди.

Зибахнинг ўн беш ўғли ва йигирмата қули бор эди.

Шунда Зибах шоҳга:

[11] — Жаноби олийлари бу қулига нима буюрган бўлсалар, ҳаммасини ижро этарман, — деди.

Мефибосит, худди шоҳ фарзандларининг биридай, шоҳ дастурхонидан* таом ейдиган бўлди.

[12] Мефибоситнинг Миха деган ёшгина ўғли ҳам бор эди. Зибах хонадонида яшаганларнинг ҳаммаси Мефибоситнинг хизматкори бўлди. [13] Мефибосит Қуддусда истиқомат қилиб қолди ва доим шоҳ дастурхонидан таом еди. Унинг иккала оёғи ҳам чўлоқ эди.

10–БОБ

Довуд Оммон ва Орам халқларини бўйсундиради

[1] Орадан бир қанча вақт ўтгач, Оммон* шоҳи Нахош оламдан ўтиб, ўрнига ўғли Ханун шоҳ бўлди. [2] Довуд: “Нахош менга содиқ эди, мен ҳам унинг ўғли Ханунга содиқ бўлайин”, деб кўнглидан ўтказди. Шундай қилиб, Довуд Ханунга отасининг вафоти муносабати билан тасалли бериш учун ўз элчиларини жўнатди.

Довуднинг элчилари Оммон юртига боргач, [3] Оммон беклари ўзларининг шоҳи Ханунга шундай деб ўргатишди: “Довуд бу одамларини отангиз ҳурмати учун жўнатган, деб ўйлайсизми? Йўқ, Довуд элчиларини сизнинг ҳузурингизга ёмон ният билан юборган, у шаҳарни кузатиб, текшириб, кейин қўлга киритмоқчи.”

[4] Шу гапдан сўнг Ханун Довуднинг элчиларини ушлади, уларнинг соқолларининг ярмини қирқиб, кийимларини сонларигача кестириб, орқага қайтариб юборди. [5] Довуд бу воқеани эшитди–ю, элчиларини кутиб олиш учун одамлар жўнатди. Элчилар жуда шармандали аҳволда қолган эдилар. Шоҳ ўша элчиларига: “Соқолингиз ўсгунча Ерихода қолинглар, кейин менинг олдимга қайтиб келинглар”, деб айттириб юборди.

[6] Оммон халқи “Энди Довуднинг ғазабига дучор бўлдик”, деб ўйлади. Улар ҳар томонга хабар жўнатиб, Байт–Рехоб ва Зўво шаҳарларидан Орам халқининг 20.000 сипоҳини, Махо шаҳри шоҳидан 1000 нафар сипоҳни ва Тов халқидан

12.000 сипоҳни ёлладилар. 7 Довуд бу хабарни эшитди–ю, лашкарбоши Йўаб
бошчилигида қўриқчиларининг ҳаммасини урушга сафарбар қилди. 8 Оммон
лашкари шаҳар дарвозаси олдида Довудга қарши саф тортди. Рехоб ва Зўводан
келган Орам сипоҳлари, Тов ва Маходан келган сипоҳлар эса ялангликда саф
тортдилар.
9 Йўаб ғаним тўдалари орқаю олдиндан ҳужум қилаётганини кўрди. У
Исроилнинг сараланган сипоҳларидан танлаб олди–да, Орам лашкарига қарши
саф торттирди. 10 Қолганларига эса укаси Абушайни бош қилиб, Оммонларга
қарши шай қилиб қўйди. 11 Йўаб Абушайга:
— Орам лашкари мендан устун келса, сен ёрдамга келасан, — деди. —
Борди–ю, Оммонлар сендан баланд келса, мен ёрдамга бораман. 12 Бардам бўл!
Халқимиз ва Худойимизнинг шаҳарлари учун мардларча кураш олиб борайлик.
Эгамизнинг хоҳиш–иродаси бажо бўлсин.
13 Йўаб бошчилигидаги сипоҳлар Орам лашкарига қарши ташландилар. Орам
лашкари эса уларнинг олдига тушиб қочиб қолди. 14 Уларнинг қочганини кўрган
Оммонлар ҳам Абушайдан қочиб, шаҳарга беркиндилар. Шундан кейин Йўаб улар
билан жанг қилмай, Қуддусга қайтиб кетди.
15 Орам лашкари Исроил лашкаридан енгилганини англаб етганидан сўнг, яна
бир жойга тўпланишди. 16 Шоҳ Ҳададзар Фурот дарёсининг нариги томонидаги ўз
лашкарига хабар бериб, уларни чақиртирди. Орам лашкари Ҳададзарнинг
лашкарбошиси Шўвах бошчилигида Хелам шаҳрига келди. 17 Довуд бу воқеани
эшитиб, жамики Исроил лашкарини йиғди, Иордан дарёсини кечиб ўтиб, Хеламга
етиб борди. Орам лашкари саф тортиб, Довуд лашкари билан жанг қилди. 18 Аммо
Орам лашкари яна Исроил лашкарининг олдига тушиб қочиб қолди. Довуд Орам
лашкарининг 700 та жанг араваси аравакашини ва 40.000 нафар отлиқ сипоҳини
ўлдирди. У Ҳададзарнинг лашкарбошиси Шўвахни ҳам яралаган эди, Шўвах жанг
майдонидаёқ жон берди.
19 Шундай қилиб, Ҳададзарнинг қўли остидаги ҳамма шоҳлар мағлубиятга
учраб, Исроил халқи билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Улар Исроил халқига
қарам бўлиб қолди. Шундан кейин Орам халқи Оммон халқига ёрдам беришдан
қўрқиб қолди.

11–БОБ

Довуд билан Ботшева

1 Баҳор бошланиб, шоҳлар урушга кетадиган пайт ҳам бўлди. Довуд
лашкарбошиларига ва бутун Исроил қўшинига Йўабни бош қилиб, урушга
юборди. Улар Оммон лашкарини яксон қилиб, Рабба шаҳрини* қамал қилишди.
Довуднинг ўзи Қуддусда қолган эди.
2 Бир куни оқшом пайти Довуд ётоғидан чиқди–да, сарой томига кўтарилиб*
шаҳарни томоша қила бошлади. Бирдан чўмилаётган бир аёлни кўриб қолди. Аёл
жуда гўзал эди. 3 Довуд биттасига:
— Бориб бил–чи, у ким экан, — деб жўнатди. Ўша одам қайтиб келиб:
— У аёл Элиёмнинг қизи, Хет халқидан бўлган Уриёнинг хотини, исми
Ботшева экан, — деди.
4 Довуд: “Аёлни олиб келинглар”, деб хизматкорларини жўнатди. Аёлни
Довуднинг ҳузурига олиб келишди. Аёл ҳайз кўрган бўлиб, тозаланиш
расм–русумларини энди тугатган экан*. Довуд у билан бирга бўлди. Кейин аёл
уйига қайтди. 5 Аёл ҳомиладор бўлганини билди ва бу ҳақда Довудга хабар берди.

6 Довуд Йўабга, Хет халқидан бўлган Уриёни менинг олдимга юбор, деб хабар
йўллади. Йўаб Уриёни Довуднинг олдига жўнатди. 7 Уриё келгандан кейин, Довуд
ундан Йўаб ва сипоҳларнинг аҳволини, урушнинг қандай бораётганини сўради.
8 Сўнг Уриёга:
— Уйингга бор, дам ол, — деди.
Уриё саройдан чиққач, шоҳ унинг орқасидан ҳадялар жўнатди. 9 Лекин Уриё
уйига кетмади, шоҳнинг соқчилари билан бирга сарой дарвозаси ёнида ухлашга
қолди. 10 Довудга, Уриё уйига кетмабди, деб хабар етказишди. Довуд Уриёдан:
— Сен сафардан келдинг–ку, нега уйингга бормадинг? — деб сўради. 11 Уриё
шундай жавоб берди:
— Худонинг Сандиғи ҳам, Исроил ва Яҳудо сипоҳлари ҳам чодирларда қолди,
лашкарбошим Йўаб билан жаноби олийларининг одамлари яп–яланг майдонда
чодир тикиб ётишибди. Аҳвол шунақалигини била туриб, мен еб–ичиш, хотиним
билан бирга бўлиш учун уйимга борсам яхши бўлмас. Онт ичиб айтаманки,
зинҳор бундай иш қилмайман.
12 Шундан кейин Довуд:
— Бугун шу ерда қол, эртага сени жўнатиб юбораман, — деди.
Уриё ўша куни Қуддусда қолди. 13 Эртасига Довуд Уриёни яна чақириб,
едириб–ичирди. Уриё маст бўлиб қолди. Кеч киргач, Уриё тағин уйига кетмай,
шоҳ соқчилари ёнидаги ўрнида ухлади.
14 Эртасига эрталаб Довуд Йўабга бир мактуб ёзиб, Уриё орқали бериб юборди.
15 Мактубнинг мазмуни шундай эди: “Уриёни уруш қизиган жойга юборгин–да,
бир ўзини қолдир, токи у яраланиб ҳалок бўлсин.”
16 Йўаб шаҳарни қуршаб олган эди. Уриёни ғанимнинг кучли лашкари
эгаллаган ерга юборди. 17 Ғаним лашкари шаҳардан чиқиб келиб, Йўабнинг
сипоҳлари билан жанг қилди. Ғаним лашкари Довуднинг одамларидан
баъзиларини ўлдирди, Хет халқидан бўлган Уриё ҳам ўлдирилди.
18 Йўаб урушнинг бориши ҳақида Довудга хабар бериш учун бир одамни
жўнатаётиб, унга 19 шундай деб тайинлади:
— Сен урушга оид ҳамма хабарларни шоҳга айт. 20 Лекин шоҳ ғазабланиб,
сенга шундай деб айтиб қолиши мумкин: “Улар билан жанг қилиш учун нимага
шаҳарга бунчалик яқин бордингизлар? Улар шаҳар деворидан туриб ўқ
отишларини билмасмидингизлар? 21 Гидўннинг* ўғли Абумалекни ким ўлдирган
эди? Эсингизда йўқми, Тавозда бир аёл Абумалекнинг устига девор тепасидан
тегирмон тошини ташлаб юбориб ўлдирганди–ку! Шундай экан, нима учун
деворга бунчалик яқин бордингизлар?” Агар шу гапларни айтса, сен: “Қулингиз
Уриё ҳам ўлди”, дейсан.
22 Хабарчи жўнаб кетди. Довуднинг ҳузурига етиб боргач, Йўаб нима деб
буюрган бўлса, ҳаммасини оқизмай–томизмай шоҳга айтиб берди:
23 — Оммонлар биздан устун келди, шаҳардан чиқиб биз билан даштда жанг
қилди. Кейин уларни шаҳар дарвозасигача қувиб бордик. 24 Шу пайтда
Оммонларнинг мерганлари шоҳ ҳазратларининг одамларини девордан туриб
ўққа тутишди. Одамларингиздан баъзилари ўлди, қулингиз Уриё ҳам ўлди, —
деди.
25 — Йўабга айт, — деди Довуд хабарчига. — Рўй берган ҳодисадан унинг
кўнгли чўкмасин. Жанг қурбонсиз бўлмайди. Шаҳарга ҳужумни кучайтириб, ер
билан яксон қилсин. Шундай деб, унга далда бер.
26 Уриёнинг хотини эрининг ҳалок бўлганини эшитиб, аза тутди. 27 Аза
муддати тугагач, Довуд аёлни саройга олдириб келди. Аёл Довудга турмушга

чиқди ва бир ўғил туғди.

Бироқ Довуднинг бу қилмиши Эгамизга маъқул келмади.

12–БОБ

Натан пайғамбар Довудни койийди

1 Эгамиз Натан пайғамбарни Довуднинг ҳузурига жўнатди. Натан Довуднинг
ҳузурига келиб, гап очди:

— Бир шаҳарда икки одам яшар экан. Ўша одамлардан бири бой, бошқаси
камбағал экан. 2 Бойнинг жуда кўп мол–қўйлари бор экан. 3 Камбағалнинг эса
биттагина сотиб олиб боқаётган совлиқ қўзичоқдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ экан.
Қўзичоқ камбағал одамнинг уйида болалар билан бирга катта бўлаётган экан.
Қўзичоқ унинг таомидан еб, идишидан сув ичар, қўйнида ухларкан. Қисқаси,
қўзичоқ ўша одамнинг қизидай экан. 4 Бир куни бой одамнинг уйига бир йўловчи
ташриф буюрибди. Бой меҳмонга таом ҳозирлаш учун ўзининг мол–қўйларидан
биттасини ҳам сўйишга кўзи қиймабди–да, камбағалнинг қўзисини сўйиб,
меҳмонга таом ҳозирлабди.

5 Довуд бой одамнинг ишидан қаттиқ ғазабланди:

— Худо шоҳид! Шундай иш қилган одам ўлимга лойиқдир! — деди Натанга.
6 — Бағритошлик қилиб, шундай иш қилгани учун у қўзичоқ эвазига тўртта қўй
тўлаши лозим.

7 Шу гапдан кейин Натан Довудга:

— Ўша одам сенсан! — деди. — Исроил халқининг Худоси — Эгам шундай
айтмоқда: “Мен сенга мой суртиб Исроилга шоҳ қилдим, Шоулнинг қўлидан халос
этдим. 8 Сенга хўжайинингнинг хонадонини инъом қилдим, хотинларини
қўйнингга солиб қўйдим. Исроил ва Яҳудо халқини сенга бердим. Агар булар оз
бўлса эди, яна нималарни бермасдим! 9 Нега Менинг олдимда қабиҳлик қилиб,
сўзимни писанд қилмадинг? Хет халқидан бўлган Уриёни ўлдирдинг, ҳа,
Оммонларнинг қиличи билан жонини олдинг. Хотинини эса тортиб олдинг.
10 Мени писанд қилмаганинг учун, Уриёнинг хотинини тортиб олганинг учун
бундан буён қилич сенинг хонадонингга доим хавф солиб туради.” 11 Эгам шундай
айтмоқда: “Ўзингнинг хонадонингдан ўзингга ёмонлик келтираман. Кўз ўнгингда
хотинларингни яқинларингдан бирига бераман. Ўша яқининг куппа–кундузи
хотинларингнинг қўйнига киради. 12 Ҳа, сен бу ишни яширинча қилдинг, Мен эса,
бутун Исроил халқи кўрсин деб, куппа–кундузи қиламан.”

13 — Эгам олдида гуноҳ қилдим! — деди Довуд Натанга.

— Эгам гуноҳингдан ўтди, ўлмайсан, — деди Натан. 14 — Бироқ сен шу ишни
қилиб, Эгамизни менсимаганинг учун* туғилган боланг нобуд бўлади.

15 Натан шу гапларни айтиб, уйига кетди.

Довуднинг ўғли вафот этади

Уриёнинг хотини Довуддан фарзанд кўрган эди. Эгамиз эса ўша болани оғир
хасталикка мубтало қилди. 16 Довуд ўғли учун Худога илтижо қилиб, рўза тутди,
уйига бориб кечалари кўкрагини захга бериб ётаверди. 17 Сарой оқсоқоллари уни
ердан турғизмоқчи бўлишса ҳам, Довуд турмади, улар билан бирга таом ҳам
емади.

18 Еттинчи куни бола оламдан ўтди. Аъёнлар, болангиз оламдан ўтди, деб
хабар беришга қўрқишди. “Бола тирик пайтида, биз шоҳ билан суҳбатлашдик,
аммо у бизнинг гапимизга қулоқ солмади”, дейишди ўзаро. “Болангиз вафот этди,
деб шоҳга қандай айтамиз? У ўзини ўзи бирор нарса қилиб қўйиши мумкин.”

19 Довуд аъёнларининг ўзаро шивир–шивир қилаётганларини эшитиб,
боласининг нобуд бўлганини билди.
— Болам нобуд бўлдими? — деб сўради улардан.
— Ҳа, нобуд бўлди, — дейишди аъёнлар.
20 Шундан кейин Довуд ердан турди. Ювиниб, хушбўй мой суртди ва
кийимларини алмаштирди. Эгамизнинг уйига бориб, сажда қилди. Сўнг уйига
қайтиб келиб:
— Менга таом келтиринглар, — деб буюрди. Довуд олдига қўйилган таомни
еди. 21 Шунда аъёнлари сўрашди:
— Нимага бундай қиляпсиз? Бола тириклигида рўза тутдингиз, йиғладингиз,
у нобуд бўлгандан сўнг эса, ўрнингиздан турдингиз, таом едингиз.
22 Довуд шундай жавоб берди:
— Ҳа, болам тириклигида рўза тутдим, йиғладим. Ким билади, Эгам менга
шафқат қилар, болам тирик қолар, деб ўйлаган эдим, 23 лекин энди болам нобуд
бўлди. Шундай бўлгач, нега рўза тутайин?! Болани қайтариб олиб кела
олармидим?! Мен унинг ёнига бораман, лекин у менинг олдимга қайтиб
келмайди.

Сулаймоннинг туғилиши

24 Довуд хотини Ботшевага тасалли берди, қўйнига кириб, у билан қовушди.
Ботшева бир ўғил туғди. Довуд болага Сулаймон деб исм қўйди. Эгамиз ҳам
болани яхши кўриб суйди 25 ва бу ҳақда Натан пайғамбар орқали хабар берди.
Эгамиз болани севгани учун, Натан унга Ёдидаё* деб исм қўйди.

Довуд Рабба шаҳрини қўлга киритади

26 Бу пайтда Йўаб Оммонларнинг Рабба шаҳрига ҳужумни давом эттираверди.
Ниҳоят, шаҳарнинг шоҳ саройи жойлашган қалъасини босиб олди. 27 Кейин
Довудга чопарлар орқали шундай хабар жўнатди: “Рабба шаҳрига ҳужум қилиб,
ҳовузни қўлга киритдим. 28 Энди қолган сипоҳни бошлаб келинг, шаҳарни сиз
ўраб, босиб олинг, токи шаҳарни мен қўлга киритган бўлмайин, акс ҳолда,
шаҳарни Йўаб олган деб айтиб юришади.”
29 Довуд ҳамма сипоҳларини тўплаб, Рабба шаҳрига йўл олди. У шаҳарга ҳужум
қилиб, қўлга киритди. 30 Оммон шоҳининг бошидаги тожини* ҳам олди.
Қимматбаҳо тошлар билан безатилган, оғирлиги икки пуд* келадиган бу олтин
тож Довуднинг бошига кийдирилди. Довуд шаҳардан катта миқдорда ўлжа йиғди.
31 У шаҳар аҳолисини арра, чўкич ва болта билан бажариладиган ишларга, ғишт
тайёрлашга мажбур қилди. Довуд Оммон шаҳарларининг ҳаммасида шу усулни
қўллади. Шундан кейин у жамики лашкарини бошлаб, Қуддусга қайтиб кетди.

13–БОБ

Омнўн билан Тамара

1 Сўнгра шундай ҳодиса содир бўлди: Довуднинг Омнўн* ва Абсалом деган
ўғиллари бор эди. Унинг Тамара деган гўзал бир қизи ҳам бор эди. Тамара
Абсаломнинг туғишган синглиси бўлиб, Омнўнга ўгай эди. 2 Омнўн ўгай синглиси
Тамарани деб азоб чекавериб, касал бўлиб қолди. Тамара ҳали бокира бўлгани
учун, Омнўн унга бирор нарса қилишга ожиз эди.
3 Омнўннинг Ёнадав деган дўсти бор эди. Ёнадав Довуднинг акаси Шимонинг*
ўғли бўлиб, жуда айёр йигит эди. 4 Бир куни Ёнадав Омнўнга деди:
— Эй шаҳзода, нимага кундан–кунга озиб–тўзиб кетяпсан? Менга ҳам

сабабини айт–чи.

— Ўгай акам Абсаломнинг синглиси Тамарани севиб қолдим, — деди Омнўн.

5 — Тўшакка михланиб, ўзингни касалга сол, — деди Ёнадав. — Отанг сени кўргани келганда, унга: “Марҳамат қилиб, синглим Тамара келиб менга бирон таом берсин, таомни кўз олдимда тайёрлаганини мен кўрайин ва унинг қўлидан таом еяйин”, деб айтасан.

6 Хуллас, Омнўн тўшакка михланиб, ўзини касалга солди. Шоҳ уни кўргани келди.

— Марҳамат қилиб, синглим Тамара келиб, олдимда икки дона нон ёпсин, мен унинг қўлидан нон еяйин, — деди Омнўн.

7 Тамара саройда яшарди. Довуд унга: “Аканг Омнўннинг уйига бориб, унга нон ёпиб бер”, деб айттириб юборди.

8 Тамара ўгай акаси Омнўннинг уйига борди. Омнўн тўшакда ётган экан. Тамара хамир қориб, акасининг кўзи олдида нон ёпди. 9 Товадаги нонни олиб келиб, Омнўннинг олдига қўйган эди, у емади. Омнўн:

— Ҳузуримдан ҳамма чиқиб кетсин! — деб буйруқ берди, уйда ҳеч ким қолмади. 10 Шундан кейин Омнўн Тамарага:

— Таомни ётоқхонамга олиб кир, сенинг қўлингдан еяйин, — деди. Тамара ўзи ёпган нонларни акаси Омнўннинг ётоқхонасига олиб кирди. 11 Енг, деб нонни акасига яқин олиб борган эди, Омнўн бирдан Тамарага ёпишиб:

— Кел, мен билан бирга бўл, синглим! — деди.

12 — Йўқ, ака, мени зўрламанг! — деди Тамара. — Исроилда бунақа қилишмайди–ку! Бундай қабиҳ ишни қилманг! 13 Бундай шармандаликдан кейин мен қандай бош кўтариб юраман?! Сиз эса Исроилдаги разил одамлардан биттаси бўлиб қоласиз. Шоҳга айтсангиз, у мени сиздан аямайди–ку!

14 Лекин Омнўн Тамаранинг гапига қулоқ солмади. Омнўн Тамарадан кучлироқ эди, Тамарани зўрлаб ётқизиб, номусига тегди. 15 Кейин Омнўн Тамарадан шундай нафратланиб кетдики, унга бўлган нафрати ардоқлаган севгисидан кучли эди.

— Тур, жўна! — деди у Тамарага.

16 — Йўқ! — деди Тамара. — Мени ҳайдаяпсиз, лекин бу ишингиз менга қилган ҳозирги гуноҳингиздан оғирроқдир.

Бироқ Омнўн унинг гапига қулоқ солмади. 17 Хизматкорини чақириб:

— Бу хотинни ҳузуримдан ҳайдаб чиқариб, эшикни ёп! — деди.

18 Хизматкор Тамарани ташқарига ҳайдаб чиқариб, орқасидан эшикни ёпди. Тамара узун, чиройли гулли либос* кийган эди. Шоҳнинг турмушга чиқмаган қизлари шундай кийинишарди. 19 Тамара қайғудан бошига кул сочиб, устидаги узун либосини йиртиб ташлади*. Уятдан юзини қўли билан тўсиб, фарёд солганича кетди. 20 Акаси Абсалом ундан:

— Аканг Омнўн сен билан бўлдими? — деб сўради. — Майли, синглим, бу ҳақда бирортасига оғиз оча кўрма! Ахир, у аканг–ку! Бу воқеани кўнглингга олма.

Шундан сўнг Тамара акаси Абсаломнинг уйида яшаб юраверди. У доимо ёлғиз, ғамгин эди. 21 Шоҳ Довуд бўлиб ўтган воқеани эшитиб, қаттиқ ғазабланди. 22 Абсалом эса синглиси Тамаранинг номусини булғагани учун Омнўндан қанчалик нафратланса ҳам, унга бирор марта на яхши, на ёмон гап қилди.

Абсалом Омнўнни ўлдиради

23 Икки йилдан кейин Абсалом шоҳнинг ҳамма ўғилларини Баал–Хазорга зиёфатга таклиф қилди. Баал–Хазор Эфрайим шаҳри яқинида бўлиб, бу ерда Абсалом қўйларининг жунини қирқтираётган эди*. 24 Абсалом шоҳнинг ҳузурига

келиб:

— Қўйларимнинг жунини қирқтиряпман, марҳамат қилиб, шоҳ аъёнлари билан бирга мен, қулингизга ҳамроҳ бўлсинлар, — деди.

25 — Биз ҳаммамиз борсак, сенга юк бўламиз, ўғлим, — деди шоҳ Довуд. Абсалом қанча илтимос қилмасин, шоҳ, бора олмайман, деб унамади, бормаса ҳам, ўғлини дуо қилди.

26 — Бўлмаса, ижозат берсангиз, акам Омнўн биз билан борсин, — деди Абсалом.

— Омнўн нимага сен билан бориши керак? — деб сўради шоҳ. 27 Абсалом илтимос қилавергандан кейин, шоҳ Омнўнни ва бошқа ўғилларини у билан бирга жўнатди. 28 Абсалом хизматкорларига шундай буйруқ берган эди:

— Қараб туринглар, Омнўн шароб ичиб, сархуш бўлишини кутинглар. Сизларга “Омнўнни уринг”, деб айтишим биланоқ, уни ўлдирасизлар. Қўрқманглар, сизларга мен буйруқ беряпман. Дадил, мард бўлинглар!

29 Хизматкорлар Абсаломнинг буйруғини ижро этиб, Омнўнни ўлдирдилар. Шоҳнинг қолган ўғиллари эса хачирларига миниб қочиб қолишди. 30 Улар йўлда кетаётганларида, “Абсалом шоҳнинг ҳамма ўғилларини ўлдирибди, бирортаси ҳам тирик қолмабди” деган хабар Довуднинг қулоғига етди. 31 Шоҳ ўрнидан турди–да, қайғудан кийимларини йиртиб, ўзини ерга отди. Унинг ёнидаги барча аъёнлари ҳам кийимларини йиртишди.

32 Довуднинг Шимо деган акасининг ўғли Ёнадав шундай деди:

— Шоҳ ҳазратлари, ҳамма ўғилларимдан айрилибман, деб ўйламасинлар, фақат Омнўн ўлди, холос. У ўгай синглиси Тамаранинг номусига теккандан буён Абсалом Омнўнни ўлдиришга қасд қилиб юрарди. 33 Шоҳ жаноби олийлари, ҳамма ўғилларингиз ўлдирилибди деган хабардан хавотирга тушмасинлар. Фақат Омнўн ўлган, холос.

34 Абсалом ўша заҳоти қочиб кетди. Қуддус девори устидаги соқчи ғарб томондан* шаҳарга қараб келаётган бир тўп оломонни кўрди. 35 Ёнадав шоҳга:

— Ана, ўғилларингиз келишяпти, мен, қулингиз, айтгандай бўлди, — деди. 36 У гапини тугатар–тугатмас, шоҳнинг ўғиллари етиб келиб, фарёд кўтаришди. Шоҳ ҳам, аъёнлар ҳам ҳўнг–ҳўнг йиғлаб кўз ёш тўкишди.

37-38 Абсалом қочиб кетиб, Гашур шоҳи Талмайнинг* ёнига борди ва у ерда уч йил қолиб кетди. Талмай Омиҳуд деганнинг ўғли эди. Шоҳ Довуд эса ўғли Омнўн учун узоқ вақт мотам тутди. 39 Довуд Омнўннинг ўлимидан тасалли топгандан кейин, Абсаломни соғина бошлади*.

14–БОБ

Абсалом Қуддусга қайтиб келади

1 Шоҳ Довуд Абсаломни соғинаётганини Йўаб билди. 2 У биттасини Тахува шаҳрига* юбориб, у ерда яшайдиган бир донишманд аёлни чақиртириб келди. Йўаб ўша аёлга:

— Сендан бир илтимосим бор, — деди. — Мотамсаро қиёфага кириб, аза кийимларингни киясан. Пардоз қилма, ўзингни худди марҳумга анчадан бери аза тутаётган аёлдай кўрсат. 3 Мен сенга нима айтсам, шоҳ ҳузурига бориб, унга етказасан.

Кейин Йўаб аёлга нималар айтиши лозимлигини ўргатди. 4 Тахувалик аёл шоҳ ҳузурига йўл олди. Унинг ҳузурига бориб, мук тушиб таъзим қилди–да:

— Эй шоҳим, ёрдам беринг! — деди.

5 — Нима бўлди? — деб сўради шоҳ.
— Мен бир бахтсиз тул аёлман, — деди у. — Эрим ўлган. 6 Бу чўрингизнинг икки ўғли бор эди. Иккови далада жанжаллашиб қолишибди. Ўша ерда уларни ажратиб қўядиган бирор кимса йўқ экан, биттаси иккинчисини уриб ўлдириб қўйибди. 7 Энди эса бутун қавмим бу чўрингизга қарши чиқиб: “Биродарини ўлдирганни бизнинг қўлимизга бер, биродарини ўлдиргани учун ундан қасос оламиз, қотилни ўлдирамиз, меросхўрини йўқ қиламиз”, дейишяпти, охирги умид нишонамдан ҳам айиришмоқчи. Агар яна фожиа юз берадиган бўлса, ер юзида эримнинг номини давом эттирадиган бирор кимса қолмайди–ку.
8 — Уйингга боравер, — деди шоҳ, — мен сенинг фойдангга амр бераман.
9 — Шоҳ ҳазратлари, бу воқеага мен ва отамнинг хонадони айбдор бўлсин, — деди Тахувалик аёл, — шоҳим ва унинг тахти бегуноҳ бўлсин.
10 — Ким сенга бирор нарса деса, уни менинг олдимга бошлаб кел. Шундай қилайинки, ўша одам сени бошқа хафа қилмайдиган бўлсин, — деди шоҳ.
11 — Бўлмаса, шоҳим ўзларининг Эгаси Худо номи билан онт ичсинлар, токи қасоскорлар яна зиён–заҳмат етказмасин, — деди аёл. — Акс ҳолда, ўғлимни ўлдириб қўйишади.
— Худо шоҳид! Ўғлингнинг бир тола сочига ҳам зарар етмайди, — деди шоҳ.
12 — Энди ижозат берсангиз, бу чўрингиз шоҳ ҳазратларига яна бир оғиз гап айтмоқчи эди, — деди аёл.
— Айт, — деди шоҳ. 13 Аёл гапини давом эттирди:
— Бўлмаса, нима учун шоҳ Худонинг халқига қарши бундай ноҳақликни раво кўраётирлар? Шоҳим ҳалиги гапи билан ўзларини гуноҳкор қилгандай бўлдилар. Чунки, шоҳим, ўзингиз қувғин қилган одамни қайтармаяпсиз. 14 Тупроққа тўкилган сувни қайта йиғиб бўлмаганидай, ҳаммамиз ҳам оламдан ўтиб кетамиз. Лекин Худо жонимизни олишни истамайди. Худо “Бадарға қилинган одам Ўзимдан узоқ кетмасин”, деб йўлларини қидиради. 15 Одамлар мени қўрқитгани учун шоҳ ҳазратларига шуларни айтиб беришга келдим. Ўзимга ўзим айтдим: “Шоҳга маслаҳат солай–чи, балки бу чўрисининг тилагини бажо айлар. 16 Ўғлим билан мени ўлдириб, бизни Худо берган меросдан маҳрум қиладиганнинг қўлидан қутқаришни фақат шоҳ ўз зиммасига олиши мумкин. 17 Шоҳ ҳазратлари ўз сўзи билан мени тинчлантирадилар. Чунки шоҳим, Худонинг фариштаси каби яхши–ёмон гапни тинглаб, ажрим қиладилар.” Эгангиз Худо сизга ёр бўлсин!
18 — Сендан бир нарсани сўрайман, лекин мендан ҳеч нарсани яшира кўрма! — деди шоҳ.
— Сўрасинлар, шоҳ ҳазратлари, — деди аёл.
19 — Бу айтганларингнинг ҳаммасида Йўабнинг қўли борми? — деб сўради шоҳ. Аёл унга шундай жавоб берди:
— Тўғриси, шоҳ ҳазратлари, сиздан ҳеч нарсани яшириб бўлмас экан! Ҳа, бу чўрингизга шу гапларни ўргатган ва буйруқ берган — қулингиз Йўаб бўлади. 20 Ҳа, қулингиз Йўаб вазиятни яхшилаш учун ўйлаб топди буни. Шоҳ ҳазратлари Худонинг фариштаси каби донодир, эл–юртда бўлиб ўтган воқеалар унинг назаридан четда қолмайди.
21 Шундан кейин шоҳ Йўабга:
— Сен истаганингдай бўла қолсин, бор, анави йигитни — Абсаломни қайтариб кел, — деди.
22 Йўаб мук тушиб таъзим қилди ва:
— Эй шоҳ ҳазратлари, бугун мен, қулингизнинг истагини бажо айлаб, менга илтифот кўрсатаётганингизни билиб турибман, — деб шоҳни мақтади.

23 Шундан кейин Йўаб Гашурга бориб, Абсаломни Қуддусга олиб келди.
24 Лекин шоҳ: “Абсалом уйига борсин, менинг ҳузуримга келмасин”, деб амр
берди. Шунинг учун Абсалом шоҳни кўра олмай, уйига кетди.
25 Бутун Исроилда Абсалом каби чиройли, келишган одам йўқ эди. У
бошдан–тирноғигача бенуқсон эди. 26 Сочини кўтариб юриш оғирлик қилгани
учун ҳар йил олдирарди. Олдирган сочини тортиб кўрганда, сочининг оғирлиги
шоҳликдаги ўлчов бўйича беш юз мисқол* чиқарди. 27 Абсаломнинг уч ўғли ва
Тамара деган гўзал бир қизи бор эди.
28 Абсалом Қуддусда икки йил турди. Лекин шу вақт давомида шоҳни кўра
олмади. 29 Ниҳоят, Йўабни шоҳ ҳузурига жўнатмоқчи бўлиб, бу ҳақда унга хабар
берди. Аммо Йўаб Абсаломникига келишни истамади. Абсалом иккинчи марта
хабар юборди. Йўаб яна келмади. 30 Шунда Абсалом хизматкорларига:
— Кўряпсизларми, Йўабнинг арпа даласи меникига ёндош. Боринглар, унинг
арпасига ўт қўйинглар, — деди.
Хизматкорлар бориб, Йўабнинг арпасига ўт қўйишди. 31 Шунда Йўаб
Абсаломнинг уйига борди.
— Нимага хизматкорларинг даламга ўт қўйди? — деди. 32 Абсалом унга
шундай жавоб берди:
— Сенга, меникига кел, сени шоҳ ҳузурига жўнатаман, деб хабар берган эдим.
Сен орқали шоҳга: “Гашурдан нега келдим? Қайтанга ўша ерда қолганимда, менга
яхшироқ бўларди” деган гапларни етказмоқчи эдим. Энди шоҳ ҳузурига борай.
Агар менинг айбим бўлса, ўлдирсин.
33 Шундан сўнг Йўаб шоҳ ҳузурига бориб, Абсаломнинг айтганларини унга
етказди. Шоҳ Абсаломни чақиртирди. Абсалом шоҳ ҳузурига кела солиб, мук
тушиб таъзим қилди. Шоҳ Абсаломни ўпди.

15–БОБ

Абсалом Довудга қарши бош кўтаради

1 Абсалом ўзи учун битта жанг араваси, отлар ва элликта қўриқчини тайёрлаб
қўйди. 2 У эрталаб туриб, шаҳар дарвозасига борадиган йўл бўйида турадиган
бўлди. Жанжалли иш билан шоҳ ҳузурига арз қилиб келаётган ҳар бир одамни
Абсалом тўхтатиб:
— Қаерликсан? — деб сўрарди. Ўша одам: “Исроилнинг фалон
қабиласиданман”, деб жавоб берарди. 3 Абсалом эса унга:
— Қара, даъволаринг тўғри, сен ҳақсан. Лекин сенинг гапингга қулоқ
соладиган, шоҳ тайинлаган бирор вакил йўқ, — дерди. 4 Кейин: — Агар юртга мен
ҳакам бўлганимда эди, — деб қўшиб қўярди, — шикоят ёки бирор масала билан
менинг олдимга келган одамга адолат қилардим.
5 Бирортаси унинг олдига мук тушиб, таъзим қилиб келиши биланоқ, Абсалом
ўша одамни турғизиб, ўпиб қўярди. 6 Шоҳ ҳузурига шикоят қилиб келган Исроил
халқининг ҳаммасига Абсалом шундай муомала қиларди. Хуллас, Абсалом шу
йўсинда Исроил халқини ўзига оғдириб олди.
7 Орадан тўрт йил* ўтгач, Абсалом шоҳга деди:
— Ижозат берсангиз, мен Хевронга бориб, Эгамга атаган назримни адо этайин.
8 Чунки мен, қулингиз, Орамда — Гашур юртида яшаётганимда, Эгам мени
Қуддусга қайтарса, албатта Хевронга бориб Унга сажда қиламан, деб назр атаган
эдим.
9 — Эсон–омон бор! — деди шоҳ Абсаломга.

Абсалом Хевронга борган заҳоти [10] ҳамма Исроил қабилаларига махфий хабарчилар жўнатиб, уларга шундай деди: “Бурғу овозини эшитишингиз биланоқ, Абсалом Хевронда шоҳ бўлди, деб овоза қиласизлар.” [11] Абсалом Қуддусдан таклиф қилган икки юз киши у билан бирга Хевронга борганди. Таклиф қилинган одамлар, бўлиб ўтган воқеалардан бехабар, яхши ният билан Абсаломга эргашишганди. [12] Абсалом Хевронда қурбонлик қилаётиб, Довуднинг маслаҳатчиси Охитофелни ҳам чақиртириб келди. Охитофел Гилохда* яшарди. Шу тариқа фитна кучайиб, Абсаломни қўллаётганлар тобора кўпайиб борарди.

Довуд Қуддусдан қочиб кетади

[13] Бир хабарчи Довуднинг олдига келиб:

— Абсалом Исроил халқининг ишончини қозонди, — деди. [14] Шундан сўнг Довуд Қуддусда ўзига хизмат қилиб юрган ҳамма одамларига шундай буйруқ берди:

— Қани, қочиб қолайлик! Бўлмаса, Абсалом бизни соғ қўймайди. Ҳозироқ кетайлик, акс ҳолда, Абсалом орқамиздан бирпасда етиб олиб бизни бир балога гирифтор қилади, шаҳар аҳолисини бирма–бир қиличдан ўтказади!

[15] — Шоҳ ҳазратлари нима қарорга келган бўлсалар, биз, қулларингиз, бажаришга тайёрмиз, — дейишди шоҳнинг аъёнлари.

[16] Шундай қилиб, шоҳ бутун сарой аҳлини эргаштириб, йўлга тушди. Саройга қараб турсин деб, фақат ўнта канизагини* у ерда қолдирди. [17] Шоҳ ва унинг ҳамроҳлари шаҳарнинг энг четидаги уйга етиб боришгач, ўша ерда тўхташди. [18] Шоҳнинг жамики лашкари, Харетлик ва Палатлик ҳамма қўриқчилар*, Гат шаҳридан* унга эргашиб келган олти юзта одам шоҳнинг олдидан ўтди. [19] Шоҳ Гатлик лашкарбоши Этхайга:

— Нимага сен биз билан келяпсан? — деди. — Орқангга қайт, ким шоҳ бўлса, ўша шоҳ билан қол, чунки сен ватанидан қувилган бир бегонасан. [20] Сен кечагина келдинг. Мен эса бугун қаерга боришимни ўзим билмайман–у, сени бирга олиб кетиб сарсон қилайми? Қани, биродарларинг билан орқага қайт. Эгам марҳаматини ва садоқатини сендан дариғ тутмасин!

[21] Этхай шоҳга шундай жавоб берди:

— Шоҳ ҳазратлари! Худо шоҳид, онт ичиб айтаманки, сизни ташлаб кетмайман. Хоҳ ҳаёт учун бўлсин, хоҳ ўлим учун бўлсин, сиз қаерда бўлсангиз, мен — қулингиз ҳам ўша ерда бўламан.

[22] — Бўпти, мен билан юравер, — деди Довуд Этхайга. Шундан кейин Гатлик Этхай, унинг ёнидаги ҳамма одамлари, бола–чақалари билан, Довуднинг ёнидан ўтиб йўлда давом этдилар.

[23] Халқ йўлда давом этаркан, атрофда эл–юрт зор–зор йиғлаб фарёд чекарди. Шоҳ Қидрон сойлигини* босиб ўтди. Халқ саҳрога борадиган йўл бўйлаб кетарди.

[24] Руҳоний Зодўх билан Худонинг Аҳд сандиғини кўтариб бораётган левилар, руҳоний Абуатар ҳам шу ерда жам бўлган эдилар. Улар Худонинг Сандиғини ерга қўйиб, халқ шаҳардан чиқиб бўлгунча кутиб туришди. [25] Бир пайт Зодўхга шоҳ деди:

— Худонинг Сандиғини шаҳарга қайтариб олиб бор. Агар Эгам мендан рози бўлса, мени қайтарсин, Сандиқ турадиган жойни ва Сандиқни менга яна кўрсатсин. [26] Аммо Эгам: “Сендан рози эмасман”, деса, майли, Унга нима маъқул бўлса, шуни қилсин.

[27] Шоҳ руҳоний Зодўх билан гапини давом эттирди:

— Ахир, сен валийсан–ку!* Ўғлинг Охимасни ва Абуатарнинг ўғли Йўнатанни ёнингга ол. Абуатар билан бирга шаҳарга эсон–омон қайтиб боринглар.

28 Сизлардан аниқ хабар келмагунча, мен Иордан дарёсининг кечувида яшириниб
ўтираман. Мен саҳрога кетишдан олдин Қуддусда нима бўлаётганини билайин.
29 Хуллас, Зодўх билан Абуатар Худонинг Сандиғини Қуддусга қайтариб олиб
кетишди ва ўзлари ҳам ўша ерда қолишди. 30 Довуд эса йиғлай–йиғлай Зайтун
тоғига* кўтарила бошлади. У қайғу–аламлардан бошини ўраб олган, ялангоёқ,
ёнидаги ҳамма одамлар ҳам бошларини ўраган, йиғлаганларича тоққа
чиқишарди.
31 Шу пайт кимдир Довудга:
— Маслаҳатчи Охитофел ҳам Абсалом билан бирга фитна уюштирганларнинг
орасида экан, — деб қолди.
— Эй Эгам! Илтижо қиламан: Охитофел Абсаломга аҳмоқона маслаҳат берсин!
— деди Довуд.
32 Довуд Зайтун тоғининг тепасига, Худога сажда қилинадиган жойга чиқиб
борганда, у ерда Довудни Орух уруғидан* бўлган Хушай кутиб олди. Хушай
аянчли аҳволда бўлиб, қайғудан кийимларини йиртган, бошига тупроқ сочган
эди*. 33 Довуд унга:
— Агар мен билан борсанг, менга юк бўласан, — деди. 34 — Сен шаҳарга қайтиб
бор, Абсаломга: “Эй шоҳим, мен сизнинг қулингизман, отангизга олдин қандай
итоат этган бўлсам, сизга ҳам шундай итоат этаман”, дейсан. Мен учун
Охитофелнинг маслаҳатини йўққа чиқарасан. 35 Руҳонийлар Зодўх билан Абуатар
ўша ерда сенинг ёнингда бўлишади. Шоҳ саройида нима эшитсанг, уларни
хабардор қилиб тур. 36 Зодўхнинг ўғли Охимас билан Абуатарнинг ўғли Йўнатан
ҳам ўша ерда. Нимаики эшитсангизлар, руҳонийларнинг ўғиллари орқали мени
хабардор қилиб турасизлар.
37 Шундай қилиб, Довуднинг дўсти Хушай Қуддусга келди. Худди шу пайтда
Абсалом ҳам Қуддусга кираётган эди.

16–БОБ

Довуд билан Зибах

1 Довуд Зайтун тоғининг нариги томонига ошиб ўтаётганда, Мефибоситнинг
хизматкори Зибахга дуч келиб қолди. Зибах эгарланган иккита эшак устига икки
юзта нон, юз ҳовуч майиз*, юз ҳовуч ҳўл мева ва бир меш шароб юклаб олган эди.
2 — Буларни нимага олиб келдинг? — деб сўради шоҳ Зибахдан.
— Эшакларни шоҳнинг хонадони аҳли минади, нон билан ҳўл меваларни
йигитлар ейди, шаробни эса саҳрода толиқиб сулайиб қолганлар ичади, — деб
жавоб берди Зибах.
3 — Хўжайининг Шоулнинг набираси қаерда? — сўради Довуд.
— Мефибосит Қуддусда қолди, — деди Зибах. — Исроил халқи бугун
бобомнинг шоҳлигини менга қайтариб беради, деб ўйлаяпти у.
4 — Мефибоситнинг ҳамма нарсаси энди сеники, — деди шоҳ.
— Қулингиз бўлай, шоҳ ҳазратлари! Тилагим шуки, ҳар доим илтифотингизга
сазовор бўлай, — деди Зибах.

Довуд билан Шимах

5 Шоҳ Довуд Бохуримга етиб борганда, Шоул хонадонидан Шимах деган бир
одам қарғаниб ўртага чиқди. У Гера деганнинг ўғли эди. 6 Шоҳни ўнг ва чап
томонида ҳамма одамлари, қўриқчилари ҳимоя қилиб туришарди. Шунга
қарамай, Шимах Довудга ва унинг аъёнларига тош отарди. 7 Шимах шундай деб
ҳақорат қилар эди:

— Йўқол, кет, эй разил одам, сенинг қўлинг қон! 8 Сен Шоулнинг ўрнига шоҳ
бўлган эдинг. Шоул хонадонидан қанча қонлар тўккан бўлсанг, Эгам ҳаммасини
ўз бошингга қайтарди, шоҳликни ўғлинг Абсаломга берди. Қўлинг қон бўлгани
учун қилмишингга яраша кулфат тортяпсан.
9 — Бу ўлик кўппак нега шоҳ ҳазратларини ҳақорат қилар экан? — деди Зеруя
ўғли Абушай Довудга. — Ижозат берсинлар, бориб бошини узиб ташлай.
10 Лекин шоҳ:
— Бу сизларга алоқадор иш эмас, эй Зеруя ўғиллари! — деди. — Эгам унга
“Довудни қарға!” дегани учун мени қарғаётган бўлса, ким ундан: “Нега бундай
қиляпсан?” деб сўрай олади?!
11 Кейин Довуд Абушай билан барча сипоҳларга айтди:
— Ўзимнинг пушти камаримдан пайдо бўлган ўғлим мени ўлдирмоқчи
бўляпти–ю, Бенямин наслидан бўлган шу одамнинг қилиғига ҳайрон
бўляпсизларми?! Қўйинглар уни, майли, ҳақорат қилаверсин, чунки унга шундай
қил, деб Эгам буюрган. 12 Балки Эгам кулфатларимни кўриб, бугунги ҳақоратлар
эвазига яхшилик қайтарар.
13 Довуд одамлари билан йўлида давом этаверди. Довуднинг ён томонида —
қир ён бағрида юриб кетаётган Шимах уни қарғар, тош отарди. 14 Шоҳ ва
ҳамроҳлари борадиган жойларига етиб келгунларича чарчашди ва дам олиш учун
тўхташди.

Охитофел ва Хушайнинг маслаҳатлари

15 Ўша пайтда Абсалом билан унга эргашган Исроил халқи Қуддусга кирдилар.
Маслаҳатчи Охитофел ҳам Абсалом билан бирга эди. 16 Довуднинг дўсти, Орух
уруғидан бўлган Хушай Абсаломнинг ёнига бориб:
— Шоҳимизнинг умри узоқ бўлсин! Шоҳимизнинг умри узоқ бўлсин! — деб
ҳайқирди. 17 Абсалом Хушайга:
— Дўстингга садоқатинг шуми? Нимага дўстинг билан кетмадинг? — деб
сўради.
18 — Нега кетар эканман?! — деди Хушай. — Мен Эгам ва мана бу халқ,
қолаверса, бутун Исроил халқи танлаган одамни ёқлайман, ўша одамнинг ёнида
бўламан. 19 Ҳа, мен Довуднинг ўғли Абсаломдан бошқа яна кимга ҳам хизмат
қилардим?! Отангга қандай хизмат қилган бўлсам, сенга ҳам шундай хизмат
қиламан.
20 Шунда Абсалом Охитофелга қараб:
— Нима қилайлик, бизга маслаҳат бер–чи, — деди. 21 Охитофел шундай
маслаҳат берди:
— Отанг, саройга қараб турасизлар, деб канизакларини қолдириб кетган эди.
Ўша канизакларнинг* олдига кир. Шунда сен отангни очиқчасига шарманда
қилганингни Исроил халқи эшитади. Сени қўллаб–қувватлаган одамларнинг
қарори янада қатъий бўлади.
22 Сарой томида Абсалом учун бир чодир қуришди. Абсалом эса жамики
Исроил халқининг кўзи олдида отасининг канизаклари олдига кирди*.
23 Ўша пайтлари Охитофелнинг айтган сўзлари шунчалик доно эдики, худди
тўппа–тўғри Худодан келгандай туюларди. Шунинг учун Абсалом ҳам, Довуд
қилганидай, Охитофелнинг ҳамма маслаҳатини сўзсиз қабул қиларди.

17–БОБ

1 Охитофел Абсаломга шундай деди:

— Ижозат берсанг, ўн икки минг кишини танлаб оламан, шу кечасиёқ отланиб,
Довуднинг орқасидан тушаман. 2 Довуд чарчаган, ҳолдан тойган, унга ҳужум
қилиб қўрқитсам, ёнидагиларнинг ҳаммаси қочиб кетади. Мен фақат шоҳ
Довудни ўлдираман, холос. 3 Кейин жамики халқни сенинг ихтиёрингга қайтариб
олиб келаман. Ўзинг қидираётган одамни топиб ўлдирсанг бўлди — ҳамма сенга
бош эгади, бутун халқ тинчийди.
4 Бу маслаҳат Абсаломга ҳам, жамики Исроил оқсоқолларига ҳам маъқул
келди.
5 — Орух уруғидан бўлган Хушай бор–ку, уни ҳам чақириб келинглар, — деди
Абсалом, — у нималар дер экан, эшитайлик–чи.
6 Хушай келди.
— Охитофел шундай–шундай маслаҳат берди, — деди Абсалом. — Унинг
маслаҳатига амал қилсак бўладими? Бўлмаса, сен маслаҳат бер.
7 — Охитофелнинг бу сафарги маслаҳати яхши эмас, — деди Хушай Абсаломга.
8 — Отанг Довуд билан унинг одамлари моҳир жангчилар эканлигини биласан.
Улар даштда болаларидан айрилган айиқдай ғазабга минганлар. Отанг
тажрибали жангчи, тунни лашкар ёнида ўтказмайди. 9 Шу пайтда у бирорта ғорда
ёки бошқа бир жойда яшириниб юрибди. У Абсаломнинг одамларидан
баъзиларини биринчи ҳужумдаёқ ҳалок қилганда, бу ҳақда эшитган ҳар бир одам:
“Абсаломга эргашганлар тор–мор бўлди”, дейди. 10 У пайтда ҳатто шер юракли
баҳодир йигитлар ҳам қўрқувга тушади. Чунки Исроилдаги ҳар бир одам
отангнинг жасурлигини, жангчиларининг ҳам ботирлигини билади. 11 Сенга
маслаҳатим шу: Дандан Бершебагача чўзилган жойлардаги бутун Исроил
лашкари атрофингга тўплансин. Ахир, Исроил халқи денгиз қирғоғидаги қум
сингари сон–саноқсиз–ку! Уларни сен ўзинг жангга бошла. 12 Довуд қаерда
яшириниб юрган бўлса ҳам, унга қарши юриш қиламиз, бутун ер юзини шудринг
қоплаганидай, биз ҳам унинг устига бостириб борамиз. Довудни ҳам,
ёнидагиларнинг бирортасини ҳам тирик қолдирмаймиз. 13 Агар у бирор шаҳардан
бошпана топса, ҳамма Исроил одамлари арқон олиб, ўша шаҳарга боришади.
Шунда ҳаммамиз биргаликда шаҳарни ағдариб, бир дона тошини ҳам қолдирмай,
сойликка тортиб туширамиз.
14 Абсаломга қўшилиб ҳамма бир оғиздан:
— Орух уруғидан бўлган Хушайнинг маслаҳати Охитофелнинг маслаҳатидан
анча маънили, — дейишди. Сабаби, Эгамиз Абсаломни кулфатга дучор қилиш
ниятида Охитофелнинг яхши маслаҳатини беҳудага чиқаришни мўлжаллаб
қўйган эди.

Хушай Довудга хабар беради

15 Хушай руҳонийлар Зодўх билан Абуатарга шундай деди:
— Охитофел Абсаломга ва Исроил оқсоқолларига ундай маслаҳат берди, мен
эса бундай маслаҳат бердим. 16 Сизлар ҳозироқ шу хабарни Довудга етказинглар:
бу кеча қирда — дарёнинг кечувида тунамасин, ҳозироқ нариги қирғоққа
ўтаверсин*. Бўлмаса, шоҳнинг ўзи ҳам, ёнидаги одамлари ҳам қирилиб кетади.
17 Бу пайтда Абуатар ўғли Йўнатан билан Зодўх ўғли Охимас* Эн–Рўғол
булоғида* кутиб туришарди. Бир чўри қиз бўлиб ўтган гап–сўзларни уларга
етказар, Йўнатан билан Охимас эса эшитганларини шоҳ Довудга етказиб
туришарди. Ўзлари таваккал қилиб шаҳарга киролмас, бирортаси кўриб қолиши
мумкин эди. 18 Лекин бир ўспирин ногаҳон уларни кўриб қолди ва Абсаломга
хабар берди. Шундан кейин Йўнатан билан Охимас тезда бу шаҳардан чиқиб,
Бохурим шаҳридаги* бир одамнинг уйига келишди. Ўша уйнинг ҳовлисида бир

қудуқ бор эди. Йўнатан билан Охимас қудуққа тушишди. 19 Ҳалиги одамнинг
хотини қудуқ оғзини ёпинчиқ билан беркитди. Қуёшда қуритаётгандай бўлиб,
устига бошоқ ёйиб қўйди. Шунинг учун ҳеч ким, бу ерда одам бор, деб
шубҳаланмасди. 20 Абсаломнинг одамлари ўша уйга бориб, аёлдан:
— Охимас билан Йўнатанни кўрмадингми? — деб сўрашди.
— Ирмоқнинг нариги томонига ўтиб кетишди, — деб жавоб берди аёл.
Абсаломнинг одамлари уларни қидириб кетишди, лекин топа олмай Қуддусга
қайтишди. 21 Улар кетгандан сўнг Охимас билан Йўнатан қудуқдан чиқишди–да,
бўлиб ўтган ҳодисалардан шоҳ Довудни хабардор қилиш учун унинг ёнига
жўнашди.
— Қани, ҳозироқ дарёни кечиб ўтинглар, чунки Охитофел сизларга қарши
шундай–шундай маслаҳат берди, — дейишди улар шоҳга. 22 Шу заҳоти Довуд
ҳамма одамларини эргаштириб, Иордан дарёсини зудлик билан кечиб ўтди. Тонг
отганда, ҳамма Иордан дарёсидан ўтиб бўлган, орқада бирорта ҳам одам
қолмаган эди.
23 Охитофел берган маслаҳати амалга ошмаганини кўриб, эшагини эгарлаб
жўнади. Ўз шаҳрига* — уйига қайтиб келди. Ишларини саранжом–саришта қилиб
бўлгандан кейин, ўзини осиб ўлдирди. Унинг жасадини ота–боболарининг
хилхонасига дафн қилишди.
24 Абсалом билан Исроил лашкарининг ҳаммаси Иордан дарёсини кечиб
ўтишаётганда, Довуд Моханайим шаҳрига етиб борган эди. 25 Абсалом Йўабнинг
ўрнига Эмосани лашкарбоши қилиб тайинлаганди. Эмоса Йўабнинг жияни бўлиб,
Исмоил қавмидан* Этер* деган одамнинг ўғли эди. Онасининг исми Обигайл
бўлиб, Нахош деган одамнинг қизи эди. Обигайл Зеруянинг синглиси, Зеруя
Йўабнинг онаси эди. 26 Абсалом ва унинг қўли остидаги Исроил лашкари Гилад
ерларида қароргоҳ қуришди.
27-29 Довуд Моханайимга борганда, уни бир неча одам кутиб турарди. Улар
Оммонларнинг Рабба шаҳридан Нахош ўғли Шўви, Лўдавор шаҳридан Омиёл ўғли
Мохир ва Рўғолим шаҳридан Гиладлик Борзулай эдилар. Улар, одамлар чўлда
толиққан, оч қолиб, чанқагандир, деб Довуд билан унинг одамларига
кўрпа–тўшаклар, косалар, сопол идиш–товоқлар, буғдой, арпа, кепакли ун,
қовурилган дон, ловия, ясмиқ дони*, асал, сузма, пишлоқ ва қўйлар олиб
келишган эди.

18–БОБ

Абсаломнинг ҳалокати

1 Довуд ёнида юрган одамларини бир жойга тўплаб, улар устидан
мингбошилар, юзбошилар тайинлади. 2 Сўнг одамларини уч қисмга бўлди,
биринчи қисмга Йўаб бошчилик қиларди, иккинчисига Йўабнинг акаси Абушай
(Зеруянинг ўғли), учинчисига Гатлик* Этхай бошчилик қилишарди. Шоҳ
одамларини жангга жўнатаётиб уларга:
— Мен ҳам сизлар билан бирга бораман, — деган эди, 3 улар:
— Биз билан борманг, — дейишди. — Борди–ю, қочишимизга тўғри келиб
қолса, ғанимларимиз биз билан қизиқмайди. Ярмимиз ўлиб кетганимизда ҳам
эътибор беришмайди. Сиз бизнинг ўн мингтамизга арзийсиз. Сиз бизга шаҳардан
туриб ёрдам беринг, бизга шуниси яхши.
4 — Сизларга қайсиниси маъқул бўлса, шуни қилганим бўлсин, — деди шоҳ.
Одамлар юз, минг кишилик тўдаларга бўлиниб шаҳардан чиқишаётганда, шоҳ

дарвоза ёнида турган эди. 5 Шоҳ Йўабга, Абушай ва Этхайга:
— Абсалом ёш, менинг ҳурматим учун унга зиён етказманглар, — деб тайинлади. Шоҳнинг лашкарбошиларга Абсаломга алоқадор буйруқ берганини ҳамма сипоҳлар эшитишди.
6 Абсаломга эргашган Исроил лашкари билан жанг қилиш учун Довуднинг одамлари майдонга чиқишди. Жанг Эфрайим ўрмонида бўлди. 7 Довуднинг одамлари Исроил лашкарини мағлуб қилди. Катта талафот бўлди, ўша куни йигирма минг киши ўлди. 8 Жанг тобора ёйилиб борарди. Ўша куни ўрмондаги фалокатдан нобуд бўлган одамларнинг сони жангда ўлдирилганларнинг сонидан кўп эди.
9 Жанг пайти Абсалом хачирини миниб ёлғиз ўзи қочиб кетаётган эди, тўсатдан Довуднинг одамларига дуч келиб қолди. Хачир катта эман дарахтининг қалин шохлари тагидан елиб кетаётганда, Абсаломнинг боши шохлар орасига кириб қолди. Хачир елиб кетаверди, Абсалом эса дарахтга осилиб қолди.
10 Довуднинг одамларидан бири Абсаломнинг осилиб турганини кўриб қолди ва бориб Йўабга айтди:
— Абсаломни кўрдим, у бир эман дарахтида осилиб турибди!
11 Йўаб хабар олиб келган одамга:
— Уни кўрган бўлсанг, нимага ерга қулатиб ўлдирмадинг? Сенга ўн кумуш танга* ва бир камар ҳадя этган бўлардим, — деди. 12 Ўша одам Йўабга шундай жавоб берди:
— Ҳатто минг кумуш танга* санаб берганингизда ҳам, шоҳ ўғлига қўлимни теккизмайман. Чунки шоҳнинг сизга, Абушай ва Этхайга “Ёш Абсаломнинг жонини сақланг” деган буйруғини биз ҳам эшитган эдик. 13 Борди–ю, Абсаломнинг жонига қасд қилганимда, сиз ўзингизни четга тортмасмидингиз, ахир?! Барибир, шоҳимиз ҳамма нарсадан воқиф бўлади–ку!
14 Йўаб:
— Сен билан пачакилашиб вақтимни йўқотмай, — деди–ю, қўлига учта найза олиб ўша ерга борди. Абсалом эман дарахтида муаллақ осилиб турар, ҳали тирик эди. Йўаб Абсаломнинг юрагига найза санчди. 15 Сўнгра Йўабнинг ўнта қуролбардори Абсаломни ўраб олиб, тамомила ўлдиришди.
16 Йўаб жангни тўхтатиш учун бурғу чалдирди, шунда Довуднинг одамлари Исроил лашкарини қувлашдан тўхтаб, орқага қайтишди. 17 Абсаломни эса дарахтдан кўтариб олиб, ўрмондаги чуқур бир хандаққа улоқтиришди. Бир талай тош уйиб, хандақ оғзини беркитишди. Шу пайтда Исроил лашкарининг ҳаммаси уй–уйларига қочиб кетишган эди.
18 Абсалом ҳаётлигида “Номимни давом эттирадиган битта ҳам ўғлим йўқ*”, деб Шоҳ сойлигида* ўзига атаб бир ёдгорлик тоши ўрнатган ва ёдгорлик тошига ўзининг номини берган эди. Бу ёдгорлик шу кунгача* “Абсалом ёдгорлиги” дейилади.

Довуд ўғлига аза тутади

19 Зодўхнинг ўғли Охимас Йўабга:
— Ижозат берсангиз, тез бориб шоҳимизга: “Эгам сизни ғанимларингиз қўлидан қутқарди”, деб хабар етказсам, — деди.
20 — Йўқ, — деди Йўаб, — бугун сен хабар олиб бормайсан. Бошқа сафар хабар етказарсан, лекин бугун эмас. Чунки шоҳнинг ўғли ўлди.
21 Кейин Йўаб Ҳабашистонлик бир одамга*:
— Сен бориб, кўрганларингни шоҳга айт, — деб буюрди. Ўша одам Йўабга таъзим қилди–ю, югуриб кетди. 22 Аммо Охимас яна:

— Нима бўлса бўлар, ижозат беринг, мен анави Ҳабашистонликнинг орқасидан югуриб борайин, — деб илтимос қилди.

— Ўғлим, нимага югуриб боришни истаб қолдинг? Сенга манфаат келтирадиган хабар йўқ–ку! — деди Йўаб.

23 — Нима бўлса бўлар, ҳозир югуриб борай, — деб яна илтимос қилди Охимас.

— Майли, югур, — деди Йўаб. Охимас шу заҳоти Иордан текислиги бўйлаб югуриб, Ҳабашистонликдан ўзиб кетди.

24 Довуд бу вақтда шаҳар дарвозаси олдида* ўтирган эди. Қоровул шаҳар дарвозаси тепасига чиқди. Атрофга назар ташлаб, биттасининг югуриб келаётганини кўрди 25 ва бу ҳақда шоҳга айтди.

— Биттаси келаётган бўлса, демак, яхши хабар олиб келяпти, — деди шоҳ.

Ўша одам тобора яқинлашиб келарди. 26 Қоровул яна бошқасининг югуриб келаётганини кўриб, дарвозабонга:

— Ана, яна биттаси югуриб келяпти, — деб хабар берди.

— У ҳам яхши хабар олиб келаётир, — деди шоҳ.

27 — Менимча, олдиндаги одам югуришидан Зодўх ўғли Охимасга ўхшайди, — деди қоровул.

— Охимас — яхши одам, яхши хабар олиб келади, — дея жавоб берди шоҳ.

28 Шу пайт Охимас баланд овоз билан шоҳга:

— Тинчлик–омонлик бўлсин, шоҳим! — деди.

Сўнг шоҳнинг олдида мук тушиб таъзим қилиб:

— Шоҳ ҳазратларига қўл кўтарганлар устидан ғалаба ато қилган Эгангиз Худога ҳамду санолар бўлсин! — деди.

29 — Болам Абсалом соғ–саломатми? — деб сўради шоҳ.

— Йўаб мен, қулингизни жўнатган пайтда катта ғалаён бўлаётган эди, кейин нима бўлганини билмайман, — деди Охимас.

30 — Бу томонга ўт, шу ерда кутиб тур, — деди шоҳ. Охимас нарига ўтиб кута бошлади. 31 Шу орада Ҳабашистонлик етиб келди.

— Шоҳ ҳазратларига хушхабар! — деди у. — Эгам адолат қилиб, сизга қарши исён кўтарганлар устидан ғалаба ато қилди.

32 — Болам Абсалом соғ–саломатми? — деб сўради шоҳ Ҳабашистонликдан.

— Шоҳ ҳазратлари! — деди Ҳабашистонлик. — Ғанимларингизнинг, ёмон ният билан сизга қарши отланганларнинг охирати шу йигитнинг охирати каби бўлсин.

33 Шоҳ эсанкираб қолди. Дарвоза тепасидаги болохонага чиқиб, фарёд қила бошлади. У болохонага чиқар экан:

— Оҳ, ўғлим Абсалом! Оҳ, ўғилгинам, болам Абсалом! Сенинг ўрнингга мен ўлсам бўлмасмиди, ўғлим?! Вой, болам Абсалом! — деб фарёд қиларди.

19–БОБ

Йўаб Довудга танбеҳ беради

1 Шоҳ Довуд Абсалом учун кўз ёши тўкиб, аза тутаётир, деб Йўабга хабар беришди. 2 Довуднинг сипоҳлари ҳам: “Шоҳ ўғли учун аза тутяпти экан”, деб эшитишди. Шундай қилиб, ўша кунги ғалаба барча лашкар учун азага айланди. 3 Ўша куни сипоҳлар худди урушдан қочганлардай, шаҳарга хижолат тортиб, писиб киришди. 4 Шоҳ эса юзини беркитиб, бор овози билан: “Оҳ, ўғлим Абсалом! Абсалом, болагинам, жигарим!” деб фарёд қиларди.

5 Йўаб шоҳ турган уйга кириб, унга шундай деди:

— Бугун сизнинг жонингизни, ўғилларингиз, қизларингиз, хотинларингиз, канизакларингизнинг* жонларини қутқарган одамларингизнинг ҳаммасини хижолатга қўйдингиз. 6 Чунки сиз ўзингиздан нафратланганларга меҳр қўйиб, сизни яхши кўрганлардан нафратланар экансиз. Бугун лашкарбошиларингиз ва мард йигитларингиз сизнинг олдингизда ҳеч нарсага арзимаслигини ошкор қилиб қўйдингиз. Ҳа, мен бир нарсани англаб етдим: бугун Абсалом омон қолиб, ҳаммамиз ўлиб кетсак, сизга яхши бўлар экан! 7 Энди туринг, ташқарига чиқиб, одамларингизга далда беринг! Эгамнинг номини ўртага қўйиб онт ичаманки, агар чиқмасангиз, шу кеча сизнинг ёнингизда бирорта одам қолмайди. Бу эса ёшлигингиздан то шу бугунгача бошингизга келган кулфатлар ичида энг ёмони бўлади!

8 Шу гапдан кейин шоҳ шаҳар дарвозаси олдига бориб ўтирди. Жамики лашкарга: “Шоҳ шаҳар дарвозасида ўтирибди” деган хабар етиб борди. Шундан кейин улар шоҳнинг ёнига ташриф буюришди.

Довуд Қуддусга қайтади

Бу пайтда Исроил халқидан Абсалом томонда бўлганлари уй–уйларига қочиб кетган эди. 9 Исроилнинг турли қабилаларидан бўлган одамлар бир–бирлари билан баҳс қилишарди:

— Бизни ғанимларимиз қўлидан Довуд халос қилган, Филистлар қўлидан қутқарган эди. У Абсаломдан қочиб, юртдан кетиб қолган. 10 Бизга йўлбошчи бўлсин деб, Абсаломга мой суртиб шоҳ қилган эдик, лекин у жангда ўлди. Шундай экан, Довуддан илтимос қилайлик, қайтиб келсин, бизнинг шоҳимиз бўлсин.

11 Шоҳ Довуд руҳонийлар Зодўх билан Абуатарга қуйидагича хабар жўнатди:

— Яҳудо оқсоқолларига бориб айтинглар, шоҳ шундай демоқда: “Бутун Исроил халқи, шоҳни ўз хонадонига қайтариш керак, деяпти. Исроил халқининг гаплари менинг қулоғимга етиб келди. Нима учун сизлар лоқайдлик қиляпсизлар? 12 Сизлар қариндошларимсиз, жигарларимсиз! Нега сизлар шоҳни қайтариб олиб келишни орқага суряпсизлар?” 13 Эмосага ҳам шу гапни етказинглар: “Сен жигаримсан–ку! Сени ҳозирдан бошлаб Йўабнинг ўрнига умрбод лашкарбоши қилиб тайинлайман. Шундай қилмасам, Худо мени не кўйга солса солсин, ҳатто ундан баттарроғини қилсин!”

14 Шундай қилиб, Довуд жамики Яҳудо халқини тамоман ўзига мойил қилди. Ниҳоят, улар шоҳга: “Ҳамма одамларингизни эргаштириб орқага қайтинг!” деб хабар беришди. 15 Шоҳ орқага қайтиб, Иордан дарёси бўйига етиб келди. Яҳудо халқи: “Шоҳни кутиб олайлик, Иордан дарёсидан олиб ўтайлик”, деб Гилгалга* келди. 16 Бенямин қабиласидан Гера ўғли Шимах ҳам шу ерда эди. У шоҳ Довудни кутиб олиш учун шошилганича Бохурим шаҳридан Яҳудо одамлари билан бирга дарё бўйига етиб келди. 17 Унинг ёнида Бенямин қабиласидан минг киши бор эди. Шоул хонадонининг хизматкори Зибах ҳам ўн беш ўғлини ва йигирмата қулини эргаштириб келди. Улар дарё бўйига тезда шоҳдан олдин етиб келишди. 18 “Шоҳ хонадонини дарёдан олиб ўтайлик, шоҳнинг ҳамма хоҳишини бажо келтирайлик”, деб улар хизмат қилишди.

Довуд Шимахни кечиради

Шоҳ Иордан дарёсини энди кечиб ўтмоқчи бўлиб турган эди, Шимах ўзини шоҳнинг оёқлари остига ташлади–да, 19 унга ёлворди:

— Шоҳ ҳазратлари гуноҳимдан ўтсинлар! Қуддусдан чиққан кунингизда мен қилган гуноҳни* эсламасинлар, хаёлларига келтирмасинлар, шоҳ ҳазратлари! 20 Чунки мен, қулингиз, ўз гуноҳимни биламан. Мана, шоҳ ҳазратларини кутиб

олиш учун бугун жамики Исроилдаги одамлардан биринчи бўлиб мен келдим.
21 Шунда Зеруя ўғли Абушай:
— Наҳотки Эгам мой суртиб танлаган шоҳни ҳақорат қилгани учун Шимах ўлдирилмаса?! — деди.
22 — Эй Зеруя ўғиллари! — деди Довуд. — Ким сизларнинг фикрингизни сўради? Менга ақл ўргатмоқчимисизлар? Шу топда Исроил шоҳи эканимни ўзим билмайманми? Исроилда шу бугун бирорта одамнинг қони тўкилмайди!
23 Сўнг Довуд Шимахга:
— Ўлмайсан! — деб онт ичди.

Довуднинг Мефибоситга меҳрибонлиги

24 Шоулнинг набираси Мефибосит ҳам шоҳни кутиб олишга борган эди. Шоҳ кетган кундан бошлаб соғ–саломат қайтгунигача, Мефибосит на оёқларини, на кийимларини ювган, на соқолини қирққан эди. 25 Мефибосит шоҳни кутиб олишга Қуддусдан келганда, Довуд ундан:
— Мефибосит, нимага мен билан кетмадинг? — деб сўради. 26 Мефибосит шундай жавоб берди:
— Эй шоҳ ҳазратлари, мен, қулингиз, чўлоқ бўлганим учун қулим Зибахга: “Эшакни эгарла, мен эшакка миниб шоҳ билан бирга кетаман”, деган эдим. Лекин у мени алдади, 27 шоҳ ҳазратларининг олдида мен, қулингизнинг юзини қора қилди. Аммо сиз, шоҳ ҳазратлари, Худонинг фариштасидайсиз. Сизга нима маъқул келса, шуни қилинг. 28 Отам хонадонининг ҳамма аъзолари шоҳ ҳазратларидан фақат ўлимни кутиб юрганларида, мен, қулингизга, сиз хонадонингиз аъзолари қаторида дастурхонингиздан таом ейиш имтиёзини бердингиз. Сиздан бундан ортиқ бир нарса сўрашга қандай ҳақим бор, эй шоҳим?!
29 — Ўзингнинг ишларинг тўғрисида гапиришингга ҳожат йўқ, — деди шоҳ. — Сенга ва Зибахга, ерларни* бўлишиб олаверинглар, деб буюрган эдим–ку.
30 — Шоҳ ҳазратлари ниҳоят саройга соғ–саломат қайтиб келдилар, шунинг ўзи менга кифоя, — деди Мефибосит. — Энди ҳамма ерни Зибах олаверсин.

Довуднинг Борзулайга меҳрибонлиги

31 Гиладлик Борзулай ҳам шоҳга Иордан дарёсини кечиб ўтишида ёрдам бериб, уни кузатиб қўяй деб, Рўғолимдан келган эди. 32 Борзулай анча кексайиб қолган, саксон ёшда эди. У бой одам бўлиб, шоҳ Моханайимда истиқомат қилиб турган пайтда, шоҳнинг тирикчилигини таъминлаган эди. 33 Шоҳ Борзулайга:
— Мен билан юринг, энди Қуддусда мен сизнинг тирикчилигингизни таъминлайман, — деди. 34 Лекин Борзулай:
— Қанча умрим қолдики, сиз билан Қуддусга кетсам? — деди. 35 — Мен, қулингиз, ҳозир саксон ёшдаман. Бундан бу ёғига нима ёқади, нима ёқмайди — ажрата билмасам, еб–ичганимнинг таъмини сеза олмасам. Яна эркак–аёл қўшиқчиларнинг овозини фарқлай олмасам. Шундай экан, нимага шоҳ ҳазратларига яна юк бўлайин? 36 Мен, қулингиз, Иордан дарёсини шоҳ билан бирга кечиб, сизга бир оз ҳамроҳ бўламан, холос. Шоҳ нима учун менга шу қадар илтифот қилиши керак? 37 Ижозат берсангиз, мен орқамга қайтайин, ўз шаҳримда жон бериб, ота–онамнинг хилхонасига дафн қилинайин. Лекин мана қулингиз Химхон шу ерда, у сиз билан нариги қирғоққа ўтсин. Унга нимани маъқул кўрсангиз, шуни қиларсиз.
38 — Химхон мен билан нариги қирғоққа кечиб ўтади, — деди шоҳ. — Сиз унга нимани маъқул кўрсангиз, у учун шуни бажо келтираман. Ўзингиз учун нима истайсиз? Айтинг, бажо қилайин.

39 Шундан сўнг шоҳ билан барча одамлар Иордан дарёсини кечиб ўтдилар*.
Шоҳ Довуд Борзулайни ўпиб, дуо қилди. Борзулай ўз юртига қайтиб кетди.

Яҳудо ва Исроил халқи шоҳни талашишади

40 Шоҳ Гилгалга жўнади. Химхон ҳам у билан бирга кетди. Яҳудо одамларининг
ҳаммаси ва Исроил* одамларининг ярми шоҳни кузатиб бораётган эдилар. 41 Бир
пайт жамики Исроил халқи шоҳнинг олдига бориб шундай дейишди:
— Нега биродарларимиз Яҳудо халқи сизни олиб қочиб, ўзингизни,
хонадонингизни, одамларингизни Иордан дарёсининг бу томонига ҳам ўтказиб
қўйишди?
42 Яҳудо халқи Исроил халқига шундай жавоб қайтаришди:
— Чунки шоҳ бизнинг яқинимиз. Нимага сизлар хафа бўляпсизлар? Шоҳнинг
ейдиганидан бирор нарса едикми?! Ёки ўзимизга бирор нарса олдикми?
43 — Исроилда ўнта қабила бор, — деб жавоб берди Исроил халқи. — Шунинг
учун Довудда сизлардан кўра, бизнинг ўн марта ҳақимиз бор. Шундай экан, нега
бизни менсимайсизлар?! Шоҳимизни қайтариб келайлик, деб биринчи бўлиб биз
айтмаганмидик?!
Яҳудо халқининг гапи Исроил халқиникидан кўра, қаттиқроқ бўлди.

20–БОБ

Шебанинг исёни

1 Ўша пайтда Бенямин қабиласидан Шеба деган ярамас бир одам шу ерда —
Гилгалда эди. У Бихри деганнинг ўғли эди. Шеба бурғу чалиб, шундай хитоб
қилди:

“Эссай ўғли Довуднинг бизга ўтказиб қўйган жойи йўқ,
Бизнинг ҳам ундан қарзимиз йўқ!
Эй Исроил* эрлари, ҳамма ўз уйига қайтсин!”

2 Шундан кейин жамики Исроил одамлари Довудни тарк этиб, Шебага
эргашиб, кетиб қолишди. Яҳудо халқи эса ўзларининг шоҳига содиқ қолиб,
Иордан дарёсидан Қуддусгача унга ҳамроҳ бўлишди.
3 Шоҳ Довуд Қуддусдаги саройига етиб боргач, саройга қараб туринглар деб,
қолдириб кетган ўнта канизагини* алоҳида уйда сақлашни буюрди. Довуд уларни
боқди, лекин бирортаси билан бирга бўлмади*. Канизаклар эса умрларининг
охиригача назорат остида, бева хотинлар каби яшадилар.
4 Шундан кейин шоҳ Довуд ўз лашкарбоши Эмосага:
— Уч кун ичида Яҳудо халқини ҳузуримга чақириб кел, ўзинг ҳам шу ерда бўл,
— деди. 5 Эмоса Яҳудо халқини чақириб келишга кетди. Аммо белгиланган вақтда
қайтиб келмади. 6 Шундан сўнг Довуд бошқа лашкарбоши Абушайга деди:
— Энди Шеба бизга Абсаломдан ҳам оғирроқ кулфат келтиради. Менинг
одамларимни олиб, Шебанинг орқасидан қувла. Акс ҳолда, у мустаҳкам шаҳарга
ўрнашиб олиб, биздан яширинади.
7 Ўша заҳоти Абушай Шебани тутиб келиш учун Қуддусдан чиқди. У Йўабни ва
унинг одамларини, Харетлик ва Палатлик қўриқчиларни*, ҳамма ботир
сипоҳларни ёнига олди. 8 Улар Гивондаги* катта қоянинг ёнига етиб борганда,
Эмосани учратиб қолдилар. Йўаб жанг кийимларини кийиб олган эди.
Кийимининг устидан камар боғлаган, ханжарини қинига солиб, камарига осиб
олган эди. У Эмосанинг олдига сўрашиш учун қадам ташлади–ю, яширинча

ханжарини қинидан суғурди.

Йўаб Эмосага:

9 — Яхшимисан, иним? — деди–ю, гўё уни ўпмоқчи бўлиб, ўнг қўли билан
Эмосанинг соқолидан ушлади. 10 Эмоса Йўабнинг нариги қўлида ханжар
борлигини сезмай қолди. Йўаб ханжарини Эмосанинг қорнига тиқди, Эмосанинг
ичак–човоғи ерга тўкилди. Иккинчи марта ханжар уришига ҳожат қолмади,
Эмосанинг жони чиқиб бўлган эди.

Шундан кейин Йўаб билан акаси Абушай Шебани қувлашда давом этишди.
11 Йўабнинг одамларидан бири Эмосанинг жасади тепасида туриб:

— Йўабга ким содиқ бўлса, ким Довуд тарафида бўлса, Йўабнинг орқасидан
борсин, — деди. 12 Эмосанинг жасади қонга беланиб йўлнинг ўртасида ётар, ҳар
бир одам жасадга яқинлашганда, унинг тепасида тўхтаб қоларди. Йўабнинг
гапирган ўша одами бу аҳволни кўриб, Эмосанинг жасадини судраб, йўл
ёқасидаги далага олиб бориб ташлади, устига кийим ташлаб қўйди. 13 Жасад
йўлдан олиб ташлангандан сўнг, ҳамма Шебани қувлаб, Йўабнинг ортидан кетди.

14 Шу орада Шеба Исроил қабилаларининг ҳамма ерларини босиб ўтиб,
Овил–Байт–Махо шаҳрига* етиб келди. Бихри* уруғининг ҳаммаси Шебага
эргашиб, шаҳарга кириб олишди. 15 Сўнг Йўаб ва унинг ҳамма одамлари
Овил–Байт–Махога бордилар, ўша шаҳарни қамал қилиб, шаҳар деворига
қиялатиб тупроқ уйдилар* ва тепага чиқиб девортешар қурол билан деворни
йиқита бошладилар. 16 Шу пайт бир доно аёл шаҳар ичкарисидан овоз берди:

— Эшитинглар! Қулоқ солинглар! Йўабни айтиб юборинглар, бу ёққа келсин, у
билан гаплашмоқчиман.

17 Йўаб аёлга яқинроқ борди.

— Йўаб сизмисиз? — сўради аёл.

— Ҳа, менман, — деди Йўаб.

— Бу чўрингизнинг сўзларини эшитинг! — деди аёл.

— Қулоғим сенда, — деди Йўаб.

18 Аёл гапида давом этди:

— Қадимдан “Овил шаҳрида маслаҳат қилинглар” деган гап бўларди, шунга
риоя қилиб, ҳамма ҳар қандай ишларини ҳал қилишарди. 19 Биз Исроилнинг
тинчлигини истаган содиқ кишилармиз. Сиз эса Исроилда онадай бўлган
шаҳарни вайрон қилмоқчисиз. Нимага Эгамнинг меросини йўқ қилиш сизга керак
бўлиб қолди?

20 — Худо сақласин! — деди Йўаб, — вайрон қилмоқчи ёки бутунлай йўқ
қилмоқчи эмасман. 21 Ҳечам ундай эмас. Эфрайим қирларидан Бихри ўғли Шеба
деган одам шоҳ Довудга қарши исён кўтарган эди. Фақат ўшани берсангизлар
бўлди, мен шаҳардан тинчгина кетаман.

— Унинг бошини девордан ошириб, сизга ташлашади, — деди аёл.

22 Сўнг аёл бутун шаҳар аҳлига ўзининг доно гапларини етказди. Шаҳар аҳли
Шебанинг бошини кесиб, девордан ошириб Йўабга ташлади. Йўаб бурғусини
чалди. Йўабнинг одамлари шаҳардан чиқиб, уйларига қайтиб кетишди. Йўаб ҳам
Қуддусга — шоҳнинг ёнига жўнади.

Довуднинг аъёнлари

23 Йўаб бутун Исроил қўшинининг лашкарбоши эди. Ёҳайидо ўғли Бинаё эса
Харетлик ва Палатлик қўриқчиларнинг сардори эди. 24 Одонирам* қароллар
устидан масъул, Охилуд ўғли Ёҳушафат мушовир* эди. 25 Шаво — котиб, Зодўх
билан Абуатар — руҳоний, 26 Ёвирлик Эро ҳам Довуднинг руҳонийси эдилар.

21–БОБ

Гивонликлар Шоул хонадонидан ўч олади

1 Довуд шоҳлиги пайтида уч йил муттасил очарчилик ҳукм сурди. Довуд
Эгамиздан шу ҳақда сўраган эди*, Эгамиз шундай жавоб берди: “Қон тўккан Шоул
ва унинг хонадони бу очарчиликка сабабчи, чунки Шоул Гивонликларни қирган
эди.”
2 Шундан сўнг шоҳ Гивонликларни чақиртириб келди ва улар билан гаплашди.
Гивонликлар Исроил қавмларидан бўлмай, Амор халқларининг*
қолган–қутгани эди. Исроил халқи Гивонликларга, сизларни тирик қолдирамиз,
деб онт ичишган эди*. Шунга қарамай, Шоул уларни қириб ташлашга ҳаракат
қилган, чунки у бутун юртни Исроил ва Яҳудо халқи назорат қилишини
истаганди.
3 Хуллас, Довуд:
— Сизлар учун нима қилай? — деб сўради Гивонликлардан. — Эгамнинг
халқини дуо қилишингиз учун бу гуноҳни қандай ювсам бўлади?
4 Гивонликлар унга:
— Бизга Шоул ва унинг хонадонидан олтин ҳам, кумуш ҳам керак эмас, Исроил
халқидан бирортасини ўлдириш ниятимиз ҳам йўқ, — деб жавоб беришди.
— Нима истасангиз, бажо қиламан, — деди Довуд. 5 Шундан сўнг Гивонликлар
айтишди:
— Шоул бизни Исроил юртида яшамасин деб, қириб ташлашни ва бизни
йўқотишни мақсад қилиб қўйган эди. 6 Шунинг учун Шоулнинг ўғилларидан
еттитаси бизга берилсин. Биз уларни Гивонда, айнан Эгамиз танлаб олган
Шоулнинг шаҳрида, Эгамизнинг ҳузурида ўлдирамиз. Жасадларини тик
ўрнатилган ходанинг учига қоқамиз.
— Сизларга бераман уларни, — деди шоҳ.
7 Довуд Шоулнинг набираси — Йўнатаннинг ўғли Мефибоситга раҳм қилиб,
уни Гивонликларга бермади. Довуд билан Йўнатан Эгамизнинг номини ўртага
қўйиб бир–бирига қасамёд қилишган эди. 8 Шоулга Оё қизи Ризпа Орманах ва
Мофибасет деган икки ўғил туғиб берган эди. Довуд Шоулнинг ўша иккала
ўғлини олди. Шоулнинг қизи Мерав* Махлалик Борзулай ўғли Одриёлдан бешта
ўғил кўрган эди. Довуд ўша ўғилларнинг 9 ҳаммасини Гивонликларнинг қўлига
берди. Гивонликлар еттовини тоғда — Эгамизнинг олдида ўлдириб, жасадларини
тик ўрнатилган ходанинг учига қоқишди. Еттови ҳам бирга жон берган эди. Улар
ўлдирилганда, ўрим–йиғим энди бошланган, арпа ўриминиг илк кунлари* эди.
10 Оё қизи Ризпа қанор* олди ва жасадлар ёнидаги бир қирнинг тепасига
бориб, қанорни ёйди. Ўрим пайти бошлангандан то жасадлар устига осмондан
ёмғир ёққунга қадар*, Ризпа ўша ерда қолди. Жасадларни кундузи осмонда
учадиган қушлардан, кечалари ёввойи ҳайвонлардан қўриқлади.
11 Шоулнинг канизаги* Оё қизи Ризпа қилган ишни Довудга етказишди.
12 Довуд Гиладдаги Ёбош халқининг олдига бориб, Шоул ва унинг ўғли
Йўнатаннинг суякларини улардан олди. Филистлар Гилбова тоғида Шоулни
ўлдирган куни унинг ва ўғлининг жасадларини Байт–Шан шаҳри майдонида
деворга қоқиб қўйган эдилар. Гиладдаги Ёбош халқи эса икковининг жасадини
яширинча у ердан олиб кетишган эди*. 13 Довуд Шоул билан ўғли Йўнатаннинг
суякларини у ердан олиб келгандан сўнг, ўлдирилган етти кишининг
жасадларини ҳам олишди. 14 Шоул билан ўғли Йўнатаннинг суякларини Бенямин
ҳудудидаги Зилага — отаси Кишнинг хилхонасига дафн қилишди. Шундай қилиб,

шоҳнинг ҳамма фармонларини ижро этишди.

Шундан кейин Худо юрт учун қилинган илтижоларга жавоб берди.

Филистларга қарши уруш

15 Филистлар билан Исроил лашкари ўртасида яна уруш бошланди. Довуд
одамлари билан Филистларга қарши урушга отланди. Аммо жанглар давомида
Довуд жуда толиқиб қолди. 16 Филист жангчиларидан бири Йишбибанув Довудни
ўлдирмоқчи бўлди. Йишбибанув Рафа халқидан* эди. У қўлида учи 750 мисқол*
келадиган бронза найза кўтарган, белига эса янги қилич боғлаб олганди. 17 Зеруя
ўғли Абушай* Довудни ҳимоя қилиб, ўша Филистни мағлуб қилиб ўлдирди.
Шундан кейин Довуднинг одамлари унга: “Энди сиз биз билан бирга урушга
бормайсиз, токи Исроилнинг чироғи ўчиб қолмасин”, деб айтишди.

18 Шундан сўнг Гов шаҳрида Филистлар билан янгидан уруш бошланди.
Хушалик Сибахай бу урушда Соф деган одамни ўлдирди. Соф Рафа халқидан эди.

19 Кўп ўтмай Исроил лашкари билан Филистлар ўртасида Говда яна уруш
бўлди. Ёвир* ўғли Элханон Гатлик* Гўлиётнинг укасини* ўлдирди. Элханон
Байтлаҳмлик эди. Гўлиёт найзасининг сопи тўқувчининг дастгоҳи ходасидай
келарди.

20 Сўнгра яна Гат шаҳрида уруш бўлди. У ерда ҳам Рафа халқидан девдай бир
одам бор эди. Унинг қўл–оёқлари олти бармоқли эди, ҳаммаси бўлиб йигирма
тўртта бармоғи бор эди. 21 Ўша одам Исроил лашкарини ҳақорат қилган эди,
Йўнатан уни ўлдирди. Йўнатан Довуднинг акаси Шимонинг ўғли эди.

22 Довуд ва унинг одамлари томонидан ўлдирилган ўша тўрталаси ҳам Гатлик
бўлиб, Рафа халқидан эди.

22–БОБ

Довуднинг зафар қўшиғи

1 Эгамиз Довудни жамики душманлари ва Шоулнинг қўлидан озод қилган
куни Довуд Эгамизга атаб шу қўшиқни айтди:

2 “Эгам суянган қоямдир*, менинг қалъам, қутқарувчимдир.
3 Ҳа, Худодир менинг қоям, Унда паноҳ топаман.
Удир менинг қалқоним, қудратли нажоткорим*,
Қўрғониму бошпанам.
Халоскорим, зулмдан мени Сен қутқарасан!
4 Эгамга илтижо қиламан,
Ғанимларимдан У мени халос қилади.
Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

5 Ўлим тўлқинлари мени қуршаб олганди,
Бало–қазо селлари даҳшат ила босганди,
6 Ҳа, ўликлар диёрининг* тўрлари мени ўраб олганди,
Ўлим ўз тузоғига мени асир қилганди.

7 Кулфатда қолганимда Эгамга илтижо қилдим,
Ҳа, Худойимга илтижо қилдим.
Маъбадидан туриб У овозимни эшитди,
Оҳу нолам қулоғига етиб борди.

8 Ўша замон ер юзи титраб, тебранди,

Осмон пойдевори* ларзага келди,
Эгам ғоят ғазабга минган эди.
9 Бурнидан тутун буруқсаб чиқарди,
Оғзидан оташ пишқирарди,
Олдидан қип–қизил чўғ ёғиларди.
10 У кўкларни ёриб, пастга тушди,
Оёқлари остида — қора булут.
11 Эгам бир карубга* миниб учиб келди,
Ел қанотлари узра кўринган эди.
12 Атрофини зулмат билан ўради,
Атрофидаги қора булутларни Ўзига чайла қилди.
13 Улкан нур Эгамнинг олдидан чиқди,
Қип–қизил чўғ ёғилиб турди.
14 Эгамнинг овози кўклардан гулдиради,
Худойи Таолонинг садоси эшитилди.
15 Ўқлар отди, чақмоқ чақтириб, ёвларини тирқиратди,
Уларни саросимага солди.
16 Эгамнинг таҳдидларидан,
Унинг қаҳрли нафасидан
Денгизнинг туби кўриниб қолди,
Замин пойдевори* яланғоч бўлиб қолди.

17 Эгам юқоридан қўл узатиб, мени тутди,
Баҳайбат сувлардан* мени чиқариб олди.
18 Мени кучли ғанимларим қўлидан,
Мендан нафратланган ёвларимдан қутқарди,
Улар мендан кучли эдилар.
19 Қора кунимда улар менга ҳамла қилдилар,
Аммо Эгам менга таянч бўлди.
20 Мени бехавотир жойга чиқариб қўйди,
Мендан мамнун бўлиб, нажот берди.

21 Эгам солиҳлигим учун мени мукофотлайди,
Айбсизлигим учун мени тақдирлайди.
22 Зеро, мен Эгамнинг йўлидан юрдим,
Ахлоқсизлик қилмадим,
Худойимдан юз ўгирмадим.
23 Унинг ҳамма қонун–қоидаларига риоя қилдим,
Фармонларидан бўйин товламадим.
24 Унинг олдида бенуқсон бўлдим,
Гуноҳ қилишдан ўзимни сақладим.
25 Шу сабабли Эгам мени пок деб билди,
Солиҳлигимга яраша мукофот берди.

26 Эй Эгам! Сенга содиқ бўлганга Сен содиқ бўласан,
Яхши инсондан яхшилигингни аямайсан.
27 Пок кишига поклигингни кўрсатасан,
Эгрининг айёрлигини ўз бошига соласан.
28 Аҳли камтарга эса нажот берасан,
Димоғдорни кузатиб, ерга урасан.

29 Эй Эгам! Сен Ўзинг чироғимсан,
Зулматни мен учун ёруғликка айлантирасан.
30 Эй Худойим! Сенга суяниб лашкарни йўқ қиламан,
Сенга суяниб деворлардан ошиб ўтаман.

31 Худонинг йўли комилдир,
Эгамизнинг каломи чин ҳақиқатдир,
Паноҳ излаб борганга У қалқондир.
32 Эгамиздан бошқа Худо ким экан?!
Худойимиздан бўлак суянчиқ Қоя бормикан?!
33 Менинг мустаҳкам қалъам Худодир,
Йўлимни Ўзи бехатар қилади.
34 У оёқларимни кийик оёғидай қилади,
Чўққилар узра мени бехатар юргизади.
35 Қўлларимни жанг қилишга ўргатади,
Бармоқларим бронза ёйни бука олади.
36 Эй Эгам, Сен менга зафар қалқонингни бергансан,
Мададинг эса мени юксалтиради.
37 Оёқларим учун йўлимни кенг қилгансан,
Оёқларим сира оғиб кетмайди.

38 Ғанимларимни қувлаб, ҳалок қилдим,
Уларни йўқ қилмай ортга қайтмадим.
39 Уларни шундай эздимки, ҳеч ҳам тура олмадилар.
Оёқларим остида чўзилиб қолдилар.
40 Сен менга қувват бериб, жангга юбординг,
Менга қарши отланган ёвни олдимда бош эгдирдинг.
41 Ғанимларимни мендан қочирдинг,
Мендан нафратланганларни мен йўқ қилдим.
42 Улар мадад сўраб фарёд қилдилар,
Нажоткорни эса тополмадилар,
Эй Эгам, ғанимларим Сенга ёлвордилар,
Аммо Сен жавоб бермадинг.
43 Ердаги тупроқ сингари уларни эздим,
Йўлдаги лойдек тепкилаб босдим.

44 Сен мени халқим ғийбатидан халос қилдинг,
Мени элларга йўлбошчи қилиш учун сақладинг.
Ўзим танимаган элат менга қарам бўлди.
45 Ёт эллар менга бўйин эгдилар,
Овозимни эшитибоқ қулоқ тутдилар.
46 Ёт эллар ҳолсизланиб йиқилдилар,
Қалтираб манзилидан чиқиб қочдилар.

47 Эгам барҳаётдир! Суянган Қоямга олқишлар бўлсин!
Нажотим қояси — Худойим юксалсин!
48 Қасдимни олган Худодир,
Халқларни менга У тобе қилган.
49 Мени ғанимларимдан У қутқарган,

Босқинчилардан мени устун қилган,
Мени зўравонлар қўлидан халос этган.

50 Шу боис, эй Эгам, халқлар ичра
Сенга ҳамдлар айтаман!
Сени куйлаб сано айтаман!

51 Эгамиз Ўз шоҳини улуғ зафарларга эриштиради,
Ўзи танлаган шоҳ Довуд ва унинг наслига
То абад содиқ севгисини кўрсатади.”

23–БОБ

Довуднинг васияти

1 Эссай ўғли Довуднинг сўзлари.

Довудни Худо юксалтирган,
Ёқубнинг Худоси мой суртиб, шоҳ қилган уни,
Довуд Исроилнинг суюкли қўшиқчиси бўлган.
Довуднинг охирги сўзлари қуйидагилардир:

2 “Эгамнинг Руҳи мен орқали гапирди,
Тилимдан Унинг каломи тўкилди.
3 Исроил халқининг Худоси мен орқали сўзлади,
Исроилнинг ишонган Қояси* менга шундай деб айтди:
«Инсонларни адолат билан бошқараётган,
Худодан қўрқиб шоҳлик қилаётган инсон
4 Бамисоли тонг шафағидир,
Мусаффо тонгда нур сочаётган қуёш кабидир,
Нурлари ёмғирдан сўнг тупроқда майса ундирар.»

5 Хонадоним Худо олдида шундай эмасми?!
Чунки У мен билан абадий бир аҳд тузган,
Бу аҳд ҳар томонлама ишончли, мустаҳкамдир.
Албатта ғолиб бўлишим учун, ҳар қандай тилагимга етишим учун,
У шак–шубҳасиз менга мадад беради.
6 Шаккоклар улоқтирилажак тикан кабидир,
Чунки уларни қўл билан ушлаб бўлмас.
7 Тикан йиғмоқчи бўлган киши
Темир асбоб ёки найзанинг сопидан фойдаланар.
Тиканларга ўт қўйиб, кулини кўкка совурар.”

Довуднинг “Уч қаҳрамон” ва “Ўттиз қаҳрамон” деган гуруҳларидаги баҳодир жангчилар

8 Довудга хизмат қилган баҳодир жангчиларнинг исмлари қуйидагича: биринчиси — Хахмўн уруғидан Ёшувам*. У “Уч қаҳрамон”нинг* сардори эди. У найзаси билан саккиз юз кишига ҳужум қилиб, ҳаммасини бир жангда ўлдирган эди*.

9 “Уч қаҳрамон”дан иккинчиси Охўва уруғидан Дўдў ўғли Элазар эди. У жанг қилиш учун тўпланган Филистларни Довуд билан бирга мағлуб қилган эди. Исроил лашкари у пайтда чекинган эди. 10 Лекин Элазар жойида тураверди,

чекинмади. Қўли толиқиб, увушиб қолгунча Филистларни ўлдирди. Ўша куни Эгамиз уни улуғ зафарга эриштирди. Сўнгра Исроил лашкари фақат ҳалок бўлганларни талон–тарож қилиш учун Элазарнинг орқасидан борди.

11 "Уч қаҳрамон"дан учинчиси Харорлик Агей ўғли Шаммох эди. Филистлар Лехидаги бир ясмиқзор* ёнига йиғилиб келганда, Исроил лашкари уларнинг олдига тушиб қочишган эди. 12 Лекин Шаммох ясмиқзорнинг ўртасида туриб олиб, ўша ерни ҳимоя қилди ва Филистларни тор–мор қилди. Шу тариқа, Эгамиз уни ҳам улуғ зафарга эриштирди.

13 Ўрим–йиғим пайтида ўша учаласи (улар "Ўттиз қаҳрамон"* гуруҳи таркибига кирар эдилар)* Довуднинг ёнига — Адуллам ғорига кетдилар*. Рафа водийсида* Филистлар лашкари қароргоҳ қурган эди. 14 Бу пайтда Довуд ўзининг адирдаги қароргоҳида эди. Битта Филист қўнолғаси эса Байтлаҳмда жойлашган эди. 15 Довуд ҳасрат билан:

— Қанийди бирортаси Байтлаҳм дарвозасининг ёнидаги қудуқдан менга сув олиб келиб берса! — деди.

16 Ўша учта қаҳрамон Филистлар қароргоҳини ёриб ўтишди–да, Байтлаҳмдаги дарвозанинг ёнидаги қудуқдан сув тортиб, Довудга олиб келишди. Лекин Довуд сувни ичмай, ерга тўкиб, Эгамизга бағишлади.

17 — Эй Эгам! — деб хитоб қилди. — Бундай қилишдан мени Ўзинг асра! Шу йигитларнинг қонини ичайми? Ахир, улар жонини хавф–хатарга қўйиб, сув олиб келгани боришди–ку!

Шунинг учун ҳам Довуд сувни ичишни истамади. "Уч қаҳрамон" ана шундай жасурлик кўрсатишган эди.

18 Йўабнинг акаси Абушай "Ўттиз* қаҳрамон"нинг сардори эди. Абушай найзаси билан уч юз кишини ўлдирди. Шу тариқа у "Уч қаҳрамон" сингари донг таратди. 19 У "Ўттиз қаҳрамон"дан ҳам машҳур эди, уларнинг йўлбошчиси бўлди. Лекин "Уч қаҳрамон"дан бири ҳисобланмасди.

20 Яна Кабзил шаҳридан Ёҳайидо ўғли Бинаё деган жасур бир жангчи бор эди. У ажойиб ишлар қилди, Мўаблик икки довюрак одамни* ўлдирди. Қор ёққан кунда бир хандаққа тушиб, шерни ўлдирди. 21 Яна девдай бир Мисрликни ҳам ўлдирди. Мисрликнинг қўлида найзаси бор эди. Бинаё унинг устига таёқ билан бостириб борди. Найзани Мисрликнинг қўлидан тортиб олди–да, ўша найза билан уни ўлдирди. 22 Бинаёнинг қилган ишлари ана шулардир. Шу тариқа, Бинаё "Уч қаҳрамон" каби донг таратди. 23 У "Ўттиз қаҳрамон" орасида шуҳрат топди, лекин "Уч қаҳрамон"дан бири ҳисобланмасди. Довуд уни қўриқчилар сардори қилиб тайинлади.

24 Қуйидагилар ҳам "Ўттиз қаҳрамон"дан эдилар:

Йўабнинг укаси Осойил,
Байтлаҳм шаҳридан Дўдў ўғли Элханон,
25 Харўд шаҳридан Шаммох ва Элихо,
26 Палат шаҳридан Халез,
Тахува шаҳридан Ихеш ўғли Эро,
27 Онотўт шаҳридан Абуазар,
Хуша шаҳридан Сибахай*,
28 Охўва уруғидан Залмон,
Натуфо шаҳридан Махрай,
29 Натуфо шаҳридан Банах ўғли Халед*,
Бенямин наслидан Гиволик Рибай ўғли Этхай,

30 Пиратон шаҳридан Бинаё,
Гаш сойликларидан Хурай*,
31 Байт–Араба шаҳридан Абуалвон,
Бохурим шаҳридан Озмобит,
32-33 Шалбим шаҳридан Элияхба,
Ёшоннинг ўғиллари,
Харор шаҳридан Шахей ўғли Йўнатан*,
Харорлик Шорор ўғли Охиём,
34 Махо шаҳридан Ахазбай ўғли Элифалет,
Гилох шаҳридан Охитофел ўғли Элиём,
35 Кармил шаҳридан Хазро,
Оров шаҳридан Парай,
36 Зўво шаҳридан Натан ўғли Йихал,
Гад қабиласидан Баних,
37 Оммон халқидан Зилах,
Барўт шаҳридан Зеруя ўғли Йўабнинг қуролбардори Нахрай,
38 Йитар уруғидан Эро ва Горив,
39 Хет халқидан Уриё.

Ҳаммаси бўлиб ўттиз етти киши эди.

24–БОБ

Довуд аҳолини рўйхат қилади

1 Исроил халқига Эгамиз яна ғазабини сочди. Эгамиз халққа зарар етказмоқчи
бўлиб, аҳолини рўйхат қилишга Довудни мажбур этди: “Қани, Исроил ва Яҳудо
халқини санаб чиқ”, деди.
2 Шоҳ ёнида турган лашкарбошиси Йўабга шундай буйруқ берди:
— Исроилнинг ҳамма қабилаларини — Дандан Бершебагача бўлган жойларни
кезиб, халқни санаб чиқинглар, токи қанча аҳоли борлигини мен билайин.
3 Лекин Йўаб шундай деди:
— Эгангиз Худо халқнинг ҳозирги сонини юз карра кўпайтирсин, шоҳ
ҳазратлари ҳам ўша кунларни кўрсин! Шоҳим нимага буни истаб қолдилар?
4 Лекин Йўаб ва лашкарбошиларнинг сўзидан шоҳнинг сўзи устун келди.
Шундан сўнг улар шоҳнинг ҳузуридан чиқиб, Исроил халқини санаш учун
кетишди.
5 Улар Иордан дарёсини кечиб ўтишди ва Арор шаҳри ёнида чодир қуриб, ўша
ерда истиқомат қиладиган Исроил халқини санашди. Арор шаҳри сойликдан
жанубда жойлашган эди. Кейин улар Гад қабиласининг ҳудудига бориб, Язир
шаҳрининг аҳолисини санашди. 6 Сўнг Гилад ерларини босиб ўтиб, Тахтим–Ходши
ерларига боришди. Сўнгра Данёнга, Данёндан эса Сидон атрофларига айланиб
бориб, бу ернинг халқини санашди. 7 Яна Тир қалъасидаги, Хив ва Канъон
халқларининг ҳамма шаҳарларидаги Исроил халқини санаб чиқишди. Ниҳоят,
жанубга — Яҳудонинг Нагав чўлидаги Бершеба шаҳрига келишди. 8 Улар тўққиз
ой ва йигирма кун юртни у бошидан бу бошигача айланиб чиққанларидан кейин
Қуддусга қайтиб келишди. 9 Йўаб рўйхат натижасини шоҳга маълум қилди:
Исроилда жанг қилишга қодир 800.000 одам, Яҳудода эса 500.000 одам бор экан.
10 Халқни санаб чиққандан сўнг Довуднинг виждони қийналди.
— Бу ишни қилиб оғир гуноҳга ботдим, ақлсизларча иш тутдим. Ўтинаман, эй

Эгам, бу қулингнинг гуноҳини кечир, — деб илтижо қилди.

11 Эртасига эрталаб Довуд уйқудан тургач, Довуднинг хизматида бўлган валий
— Гад пайғамбарга Эгамизнинг шу сўзлари аён бўлди: 12 “Бориб Довудга шу
гапларни етказ: «Эгам шундай деб айтмоқда: Мен сенга учта жазони таклиф
қиламан, шулардан биттасини танла, кейин сенга ўша жазони юбораман.»”

13 Гад Довуднинг ҳузурига бориб, учта жазони бирма–бир баён қилди:

— Юртингда уч* йил очарчилик бўлсинми? Ёки сени таъқиб қиладиган
ғанимларингдан уч ой қочиб юришни истайсанми? Ё бўлмаса, юртингда уч кун
ўлат бўлсинми? Энди яхшилаб ўйла, мени Юборганга нима деб жавоб берайин?

14 — Мен жуда оғир аҳволда қолдим–ку, — деди Довуд Гадга. — Нима бўлса
ҳам, одамзоднинг қўлига тушмайин. Майли, Эгамнинг Ўзи бизни жазоласин,
чунки У ғоят раҳмдил.

15 Шундай қилиб, Эгамиз ўша куни эрталабдан белгиланган вақтгача Исроил
юртига ўлат юборди. Бутун юрт бўйлаб — Дандан Бершебагача бўлган жойда
70.000 киши ўлди. 16 Эгамизнинг фариштаси, Қуддусни йўқ қиламан деб, қўл
кўтарганда, Эгамиз раҳм қилиб, бало–қазо жўнатмайдиган бўлди. Халқни
қираётган фариштага:

— Бўлди, бас! Етади! — деб амр берди.

Эгамизнинг фариштаси ўша пайтда Қуддусда — Ёбус халқидан бўлган Аравно
деган одамнинг хирмонида* эди. 17 Довуд халқни ўлдираётган фариштани кўргач,
Эгамизга деди:

— Гуноҳ қилган менман, мен айбдорман! Қўйдай беозор бу инсонлар нима айб
қилибди? Ғазабингни менга ва отам хонадонига соча қол!

18 Ўша куни Гад Довуднинг ҳузурига борди ва унга:

— Ёбус халқидан бўлган Аравнонинг хирмонига бориб, ўша ерда Эгамга атаб
бир қурбонгоҳ қургин, — деди.

19 Довуд Гаднинг сўзига кириб, худди Эгамиз амр этганидай, хирмонга борди.
20 Аравно шоҳ билан аъёнларнинг ўзига томон келаётганини кўрди ва Довуднинг
олдига бориб, ерга мук тушиб таъзим қилди.

21 — Шоҳ ҳазратлари нечун бу қулининг олдига ташриф буюрдилар? — деб
сўради.

— Эгамга атаб бир қурбонгоҳ қуриш учун хирмонингни сендан сотиб олгани
келдим, токи ўлат халқдан даф бўлсин, — деди Довуд.

22 — Шоҳ ҳазратлари нимани маъқул топсалар, Эгамизга ўшани назр
қилсинлар, — деди Аравно. — Ана, куйдириладиган қурбонликлар учун ҳўкизлар,
ўтин учун эса хўптир* ва ҳўкизларнинг бўйинтуруқлари бор. 23 Эй шоҳим,
буларнинг ҳаммасини сизга инъом этаман.

Кейин қўшиб қўйди:

— Эгангиз Худо сиздан рози бўлсин!

24 — Бўлмайди! — деди шоҳ. — Сендан бу нарсаларни ўз баҳосида сотиб
оламан. Текин тушган қурбонликларни Эгам Худога куйдириб назр қилмайман.

Шундан сўнг Довуд хирмонни ва ҳўкизларни эллик кумуш тангага* сотиб олди.
25 Довуд ўша ерда Эгамизга атаб қурбонгоҳ қуриб, куйдириладиган қурбонликлар
ва тинчлик қурбонликларини атади. Эгамиз эса Исроил юрти учун Довуднинг
илтижоларига жавоб берди. Шундай қилиб, Исроилдан ўлат даф қилинди.

ИЗОҲЛАР

1:2 *У қайғудан кийимларини йиртган, бошига тупроқ сочган…* — кийимларни йиртиш ва бошга тупроқ сочиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

1:6 *Гилбова тоғи* — Жалила кўлидан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган.

1:10 *…уни ўлдирдим* — Шоулнинг ўлими ҳақида бу йигит айтган ҳикоя 1 Шоҳлар 31:3-5 да ёзилган воқеага тўғри келмайди. Бу йигит Исроил халқининг душмани бўлган Омолек халқидан эди (1 Шоҳлар 15:1-3 га қаранг). Шоул ўлган пайтда ўша йигит нима учун Гилбова тоғида бўлгани аниқ эмас. У ўлган сипоҳларнинг қимматбаҳо нарсаларини ўмариш учун ўша ерга борган бўлиши мумкин. Йигит Довудга ёқиш ва ундан мукофот олиш илинжида шу воқеани ичидан тўқиб айтган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас (4:10 га қаранг).

1:18 *ушбу марсия* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *ёй*, бу марсиянинг номи бўлиши мумкин.

1:18 *“Ёшур” китоби* — ибронийчадаги маъноси *“Солиҳлар” китоби*. Эҳтимол, бу китоб жангнома бўлиб, қадимий достонлар ва қўшиқлар мажмуасидан иборат эди. Бу китоб ҳозирги кунгача сақланиб қолмаган. Ёшуа 10:13 да ҳам ўша китобга ишора қилинган.

1:20 *Гат…Ашқалон* — Филистларнинг бешта шаҳарларидан иккитаси эди (1 Шоҳлар 6:17 га қаранг).

1:21 *Гилбова тоғлари* — Шоул ўлдирилган жойга ишора. Шу бобнинг 6–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг (яна 1 Шоҳлар 31:1-10 га қаранг).

1:21 *…қалқонига мой суртилмас энди* — баъзи қалқонлар қаттиқ чармдан қилиниб, булар яхши сақланиши учун зайтун мойи суртилган.

2:1 *…Эгамиздан…деб сўради* — шоҳ бирор муҳим қарор чиқаришдан олдин, Худонинг хоҳишини билиш учун руҳонийларга мурожаат қиларди. Бундай ҳолларда руҳонийлар Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалардан фойдаланишарди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг. Худо Ўз хоҳиш–иродасини одамларга баъзан пайғамбарлар ёки тушлар орқали билдирган (1 Шоҳлар 14:36, 28:6 га қаранг).

2:8 *Абнур* — Шоулнинг амакиваччаси (1 Шоҳлар 14:50-51 га қаранг).

2:8 *Моханайим шаҳри* — Гиладда, Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

2:9 *Ошер* — ибронийча матнда *Ошур*. Бу исм Ошернинг бошқа шакли бўлиши мумкин. Ошер Исроил қабилаларидан бири эди.

2:9 *Исроил* — шимолий қабилалардан ташкил топган халқ назарда тутилган.

2:12 *Гивон шаҳри* — Қуддусдан қарийб 6 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

2:13 *Зеруя* — Зеруя Довуднинг опаси, Йўаб эса Довуднинг жияни эди (1 Солномалар 2:16 га қаранг).

2:13 *Гивон ҳовузи* — бу ҳовуз шаҳарга яқин жойда бўлиб, ундан сув сақлаш учун фойдаланилган.

2:16 *“Тиғлар майдони”* — ибронийча матнда *“Хелкат–Хазурим”*, маъноси *тиғлар майдони*, ёки *хусумат майдони*.

2:29 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном

бўлиб, бу оятда Иордан водийсининг бир қисмига, айнан Ўлик денгизнинг шимолидаги ерларга нисбатан ишлатилган.

2:29 *...жарликни ёқалаб...* — ёки *...Битрон бўйлаб давом этди....*

3:3 *Дониёр* — Қумрон қўлёзмаларидан (яна 1 Солномалар 3:1 га қаранг). Ибронийча матнда *Хилов*. Дониёр исмининг маъноси "Худо менга қози", Худо Наволга — Обигайлнинг собиқ эрига жазо берганини эслатиш мақсадида болага айнан шу исм берилган бўлиши мумкин (1 Шоҳлар 25:39 га қаранг).

3:7 *канизак* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: чўри бўлган бу аёллар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган. Ризпа Шоулнинг канизаги бўлгани сабабли, бўлажак шоҳнинг қонуний мулки бўлиб ўтарди.

3:9-10 *...Дандан Бершебагача...* — Исроил халқининг жамики ерларини тасвирлашнинг бир йўли, яъни шимолдан жанубгача деган маънода келган.

3:14 *Мен уни...эвазига олган эдим* — 1 Шоҳлар 18:20-27 га қаранг.

3:15 *Палти* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Палтиёл*. Унинг Палти деган шакли 1 Шоҳлар 25:44 дан олинган.

3:19 *Бенямин одамлари* — Шоул ҳам шу қабиладан эди.

3:29 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун, бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Левилар 13:45-46 га қаранг).

3:31 *Кийимларингизни йиртиб, қанорга ўранинглар* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Кийимларни йиртиш ва қанорга ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

4:6-7 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

5:7 *Сион қалъаси* — аслида Ёбус халқининг қалъаси, бу қалъа Қуддусдаги Сион тепалигида жойлашган эди.

5:9 *Қуддуснинг шарқ томонидаги Милло* — Қуддус шаҳри тепалик устида эди. Бу тепаликнинг шарқ томони ўпирилиб кетгани учун уни тузатиш шарт бўлган. Тепаликнинг ўпирилиб кетган жойи тупроқ билан тўлдирилган, кенгайтирилган ва мустаҳкамланган эди. Тепаликнинг бу қисми Милло деб аталарди.

5:11 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

5:13 *канизаклар* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: чўри бўлган бу аёллар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

5:18 *Рафа водийси* — Қуддусдан бир неча километр жануби–ғарбда жойлашган.

5:19 *...Эгамиздан...деб сўради* — 2:1 изоҳига қаранг.

5:20 *“Баал–Перазим”* — ибронийчадаги маъноси *тошқиндай босиб йўқ қилувчи худо*.

6:2 *Баалах шаҳри* — Хират–Йўрим шаҳрининг яна бир номи (1 Солномалар 13:6 га қаранг).

6:2 *икки каруб* — Аҳд сандиғининг қопқоғи устидаги қанотли самовий мавжудотлар ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

6:3-4 *...Абунадавнинг тепаликдаги уйида...* — 1 Шоҳлар 7:1-2 га қаранг.

6:5 *...берилиб...* — қадимий юнонча таржимадан (яна 1 Солномалар 13:8 га қаранг). Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...барча қарағай дарахтлари билан...*, баъзи таржималарда *Қарағай ёғочидан ясалган ҳамма асбоб турлари билан*.

6:7 *...Уззох ҳурматсизлик қилгани учун...* — Аҳд сандиғи муқаддас бўлиб, Худо Ўз халқи орасида эканининг рамзи эди. Аҳд сандиғига қўл теккизиш қатъиян ман этилганди (Саҳрода 4:5-6, 15 га қаранг). Довуд Худонинг кўрсатмаларига риоя қилмай (Чиқиш 25:12-15 га қаранг), Аҳд сандиғини аравага орттирганди.

6:8 *“Параз–Уззох”* — ибронийчадаги маъноси *Уззохнинг жазоси*, яъни *Худо Уззохни урди*.

6:10 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

6:14 *руҳонийларнинг муқаддас либоси* — ибронийча матнда *зиғир матосидан тикилган эфод*, яъни руҳонийлар кийиб юрадиган либос.

6:19 *хурмо* — ёки *бир парчадан гўшт*.

6:19 *...бир ҳовучдан хурмо ва бир ҳовучдан майиз...* — қадимги пайтларда одамлар хурмо ва узумларни қуритгандан кейин, қоқиларни ҳовучларида қаттиқ сиқиб, думалоқ шакл берганлар. Шу тариқа қоқилар узоқ вақт сақланган ва кундалик истеъмол қилинадиган егулик бўлган.

7:10-11 *хонадон* — ибронийча матнда *уй*, бу ўринда абадий давом этадиган шоҳ сулоласига ишора қилади. Шу бобнинг 5–оятидаги ибронийча *уй* сўзи Худонинг уйига, яъни шоҳ Довуд Худога атаб қурмоқчи бўлган Маъбадга ишора қилади. Довуднинг мана шу истагига жавобан Худо *уй* сўзининг маъносига сўз ўйин қилиб, унга хонадон барпо қилишга, яъни сулола ато этишга ваъда беради.

7:18 *...Эгамизнинг ҳузурида ўтириб...* — Довуд Қуддусда Аҳд сандиғини қўйган махсус чодирда ўтирган бўлиши мумкин (6:16-17 га қаранг). Аҳд сандиғи Худо Ўз халқи орасида эканлигининг рамзи эди.

7:19 *Сенинг бу ваъдаларинг жамики инсонларга тегишли бўлсин...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Бу жамики инсоният учун қонундир*....

7:23 *Сен...бегона халқлару худоларни қувдинг* — қадимий юнонча таржимадан (яна 1 Солномалар 17:21 га қаранг). Ибронийча матнда *Сен Ўз халқингни Мисрдан, халқлар ва уларнинг худолари орасидан олиб чиқиб, бутун оламга шуҳратингни ёйдинг. Ўз юртингни деб халқингнинг олдида буюк ва ажойиб ишлар кўрсатдинг*.

8:1 *...уларни мағлуб қилди, шу тариқа юртни уларнинг ҳукмронлигидан озод этди* — ёки *...уларни мағлуб қилди ва Матех–Оммоҳ шаҳрини Филистлардан тортиб олди*.

8:3 *Зўво* — бу юрт Дамашқдан шимолда жойлашган эди.

8:8 *Тивхат* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Бетах*. Унинг Тивхат деган шакли 1 Солномалар 18:8 дан олинган.

8:9 *Хомат* — бу юрт Зўво юртидан шимолда жойлашган эди.

8:13 *Туз водийси* — Ўлик денгизнинг жанубидаги ўлка.

8:12-13 *Эдом…[13]…Эдом* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан (яна 1 Солномалар 18:11-12 га қаранг). Ибронийча матнда *Орам…[13]…Орам*. Эдом юрти Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди.

8:16 *мушовир* — луғавий маъноси *маслаҳатчи*. Бу ўринда *хабарчи*. У шоҳлик ичидаги ва халқ орасидаги хабарни шоҳга, шоҳнинг фармонларини халққа етказиб турган.

8:18 *Харетлик ва Палатлик қўриқчилар* — Довуд ёллаган бу муҳожир сипоҳлар шоҳнинг шахсий қўриқчилари бўлиб хизмат қилган.

8:18 *руҳоний* — ёки *аъёнлар* (1 Солномалар 8:17 га қаранг).

9:3 *…унинг иккала оёғи ҳам майиб…* — 4:4 га қаранг.

9:11 *…шоҳ дастурхонидан…* — қадимий юнонча таржимадан (яна шу бобнинг 13–оятига қаранг). Ибронийча матнда *…менинг дастурхонимдан…*.

10:1 *Оммон* — бу юрт Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди.

11:1 *Рабба шаҳри* — Оммон юртининг пойтахти.

11:2 *…сарой томига кўтарилиб…* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

11:4 *…тозаланиш расм–русумларини энди тугатган экан* — аёллар ҳар сафар ой кўргандан кейин, охирида қонун–қоидага биноан тозаланиш расм–русумларини адо этишлари талаб қилинар эди. Бу ўринда ўша одатга ишора қилиняпти (Левилар 15:19-30 га қаранг).

11:21 *Гидўн* — ибронийча матнда *Еруббосит*. Еруббосит — Гидўннинг яна бир исми Еруббаалнинг бир вариантидир (Ҳакамлар 6:32, 7:1 га қаранг).

12:14 *…Эгамизни менсимаганинг учун…* — ёки *…Худонинг душманлари Ундан нафратланишига сен сабаб бўлганинг учун…*.

12:25 *Ёдидаё* — ибронийчадаги маъноси *Эгамнинг суйгани*.

12:30 *Оммон шоҳининг бошидаги тож* — ёки *Милкомнинг ҳайкали устидаги тож*. Милком — Оммон халқининг худоси Мўлахнинг яна бир номи.

12:30 *икки пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

13:1 *Омнўн* — Довуднинг тўнғич ўғли бўлиб, тахт вориси эди.

13:3 *Шимо* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шимох* (шу бобнинг 32–оятида ҳам бор). Унинг Шимо деган шакли 1 Солномалар 2:13 дан олинган.

13:18 *чиройли гулли либос* — ёки *енги узун либос*.

13:19 *…бошига кул сочиб, устидаги узун либосини йиртиб ташлади* — бошга кул сочиш ва кийимларни йиртиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

13:23 *…қўйларининг жунини қирқтираётган эди* — қўйларнинг жунини қирқиш байрам сифатида нишонланар эди.

13:34 *…ғарб томондан…* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *…Хўронайимга борадиган йўлдан…*.

13:37-38 *Талмай* — Абсаломнинг она томондан бобоси (3:3 га қаранг).

13:39 *...Абсаломни соғина бошлади* — ёки *...у ўз лашкари билан Абсаломнинг орқасидан боришни бошқа истамади*.

14:2 *Тахува шаҳри* — Қуддусдан қарийб 16 километр жанубда жойлашган.

14:26 *беш юз мисқол* — ибронийча матнда *икки юз шақал*, тахминан 2,3 килога тўғри келади.

15:7 *тўрт йил* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *қирқ йил*.

15:12 *Гилох* — Хевронга яқин шаҳар.

15:16 *канизак* — 5:13 изоҳига қаранг.

15:18 *Харетлик ва Палатлик ҳамма қўриқчилар* — Довуд ёллаган бу муҳожир сипоҳлар шоҳнинг шахсий қўриқчилари бўлиб хизмат қилган.

15:18 *Гат шаҳри* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

15:23 *Қидрон сойлиги* — Қуддуснинг шарқий чегараси ҳисобланган.

15:27 *Ахир, сен валийсан–ку!* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Менга қара!* Қадимда пайғамбарни *валий* деб чақириш кенг тарқалган эди (1 Шоҳлар 9:9 га қаранг). Бу ўриндаги ибронийча терминнинг сўзма–сўз таржимаси *кўрадиган одам*. Бу ўринда шоҳ Довуд, чамаси, ғайрирасмий таклиф берадиган терминдан фойдаланяпти: Довуднинг режаси бўйича, Зодўх Қуддусга қайтиб, унга жосус сифатида хизмат қилиши ва шаҳарда нималар юз бераётгани тўғрисида уни хабардор қилиб туриши керак эди (шу бобнинг 28, 35, 36–оятларига қаранг).

15:30 *Зайтун тоғи* — Қуддусдан шарқда, Қидрон сойлигининг нариги томонидаги тепалик.

15:32 *Орух уруғи* — Бенямин қабиласининг бир уруғи.

15:32 *...қайғудан кийимларини йиртган, бошига тупроқ сочган эди* — 1:2 изоҳига қаранг.

16:1 *...ҳовуч майиз...* — 6:19 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

16:21 *канизаклар* — 5:13 изоҳига қаранг.

16:22 *...отасининг канизаклари олдига кирди* — Натан пайғамбар бу воқеа тўғрисида башорат қилган эди (12:11-12 га қаранг). Абсалом бу қилмиши билан ўзини шоҳ деб эълон қилаётган эди, чунки одатга кўра шоҳнинг канизаклари навбатдаги шоҳнинг мулки бўлиб ўтарди.

17:16 *...нариги қирғоққа ўтаверсин* — яъни Иордан дарёсининг шарқ томонига.

17:17 *...Абуатар ўғли Йўнатан билан Зодўх ўғли Охимас...* — 15:27 га қаранг.

17:17 *Эн–Рўғол булоғи* — Қуддусдан жануби–шарқда, Қидрон сойлигида жойлашган.

17:18 *Бохурим шаҳри* — Қуддусдан қарийб 2 километр шимоли–шарқда жойлашган.

17:23 *...ўз шаҳри...* — Охитофел Гилох шаҳридан эди (15:12 га қаранг).

17:25 *Исмоил қавми* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 1 Солномалар 2:17 га қаранг). Ибронийча матнда *Исроил қавми*.

17:25 *Этер* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йитро*.

17:27-29 *ясмиқ дони* — дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик дони.

18:2 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

18:11 *ўн кумуш танга* — тахминан 110 граммга тўғри келади.

18:12 *минг кумуш танга* — тахминан 11 килога тўғри келади.

18:18 *...битта ҳам ўғлим йўқ...* — бир вақтлар Абсаломнинг учта ўғли бўлган эди (14:27 га қаранг). Лекин улар ё ёшлигида вафот этганлар ёки Абсалом Омнўнни ўлдиргани учун қатл қилинганлар.

18:18 *Шоҳ сойлиги* — Қидрон сойлигининг бир қисми бўлиб, Қуддус шаҳридан жануби–шарқда жойлашган. Сойлик — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

18:18 *...шу кунгача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

18:21 *Ҳабашистонлик бир одам* — ибронийча матнда *Кушлик бир одам* (шу бобнинг 22, 23, 31, 32–оятларида ҳам бор). Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

18:24 *...шаҳар дарвозаси олдида...* — қадимги пайтларда шаҳар дарвозаси одатда бир иншоот бўлиб, ташқи ва ички дарвозалардан иборат эди. Битта дарвоза деворнинг ташқарисида, иккинчи дарвоза деворнинг ичкарисида жойлашган эди. Довуд мана шу икки дарвозанинг ўртасида ўтирган эди.

19:5 *канизаклар* — 5:13 изоҳига қаранг.

19:15 *Гилгал* — бу жой Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидан қарийб 8 километр масофада бўлган. Шоҳ Довуд билан унинг лашкари эса дарёнинг шарқ томонида эдилар.

19:19 *...мен қилган гуноҳ...* — 16:5-14 га қаранг.

19:29 *ерлар* — Шоулга қарашли бўлган жойлар (9:7-9, 16:4 га қаранг).

19:39 *...Иордан дарёсини кечиб ўтдилар* — яъни дарёнинг ғарб томонига ўтдилар.

19:40 *Исроил* — 2:9 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

20:1 *Исроил* — 2:9 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

20:3 *канизак* — 5:13 изоҳига қаранг.

20:3 *...бирортаси билан бирга бўлмади* — чунки Абсалом отаси Довуднинг канизаклари олдига кирган эди (16:21, 22 га қаранг).

20:7 *Харетлик ва Палатлик қўриқчилар* — Довуд ёллаган бу муҳожир сипоҳлар шоҳнинг шахсий қўриқчилари бўлиб хизмат қилган.

20:8 *Гивон* — Қуддусдан қарийб 6 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

20:14 *Овил–Байт–Махо шаҳри* — Исроил юртининг энг шимолий чеккасида жойлашган, Дан шаҳридан унча узоқ эмас.

20:14 *Бихри* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Берим*.

20:15 *...шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдилар...* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча деворга қиялатиб тупроқ уйганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган

халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

20:24 *Одонирам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Одорам*.

20:24 *мушовир* — луғавий маъноси *маслаҳатчи*. Бу ўринда *хабарчи*. У шоҳлик ичидаги ва халқ орасидаги хабарни шоҳга, шоҳнинг фармонларини халққа етказиб турган.

21:1 *...Эгамиздан шу ҳақда сўраган эди...* — 2:1 изоҳига қаранг.

21:2 *Амор халқлари* — бу ўринда умумий ном бўлиб, бу ном остида Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган жамики халқлар назарда тутилган.

21:2 *онт ичишган эди* — Ёшуа 9:3-27 га қаранг.

21:8 *Мерав* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан ва қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *Михал*, аммо 1 Шоҳлар 18:19 га кўра, Шоулнинг катта қизи Мерав Махлалик Одриёлга турмушга чиққан эди. Шоулнинг қизи Михал фарзанд кўрмаган.

21:9 *арпа ўримининг илк кунлари* — апрелнинг охири ёки майнинг боши.

21:10 *қанор* — дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган.

21:10 *...ёмғир ёққунга қадар...* — одатда ўша ерларда май ойидан сентябргача ёмғир ёғмаган.

21:11 *канизак* — 5:13 изоҳига қаранг.

21:12 *Гиладдаги Ёбош халқи...у ердан олиб кетишган эди* — 1 Шоҳлар 31:8-13 га қаранг.

21:16 *Рафа халқи* — Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқ (Қонунлар 2:10-11, 20-21, 3:11 га қаранг).

21:16 *750 мисқол* — ибронийча матнда *300 шақал*, тахминан 3,4 килога тўғри келади.

21:17 *Абушай* — Довуднинг жияни, Йўабнинг акаси.

21:19 *Ёвир* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Яръўрагим*. Унинг Ёвир деган шакли 2 Шоҳлар 21:18 дан олинган.

21:19 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

21:19 *Гўлиётнинг укаси* — 1 Солномалар 20:5 дан олинган (яна 1 Шоҳлар 17:4-11, 40-54 га қаранг). Ибронийча матнда *Гўлиёт*.

22:2 *қоя* — бу образ баъзан иброний шеъриятида кўчма маънода қўлланган бўлиб, Эгамизни тоққа ўхшатади. Эгамизнинг халқи ўз душманларидан қутулиш учун, қочиб Эгамизда паноҳ топади. Бу образ Эгамизнинг барқарорлигини ва қоядай мустаҳкам эканлигини кўрсатади.

22:3 *қудратли нажоткорим* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *нажотимнинг шохи* ёки *мени қутқарадиган шох*. Ҳўкизнинг шохи куч–қудрат рамзи эди, чунки ҳўкиз қадимий Яқин Шарқдаги энг кучли ҳайвонлардан бири эди.

22:6 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер

остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

22:8 *Осмон пойдевори* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, осмон гумбазга ўхшайди ва ер остидаги тубсизликнинг пойдеворига ўрнатилган улкан устунларга таянади (яна шу бобнинг 16–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

22:11 *каруб* — қанотли самовий мавжудот. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

22:16 *Замин пойдевори* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди.

22:17 *Баҳайбат сувлардан… — ҳаддан ортиқ хавф–хатардан* деган маънодаги мажозий тасвир.

23:3 *Қоя* — 22:2 изоҳига қаранг.

23:8 *Хахмўн…Ёшувам* — ибронийча матнда бу исмларнинг бошқа вариантлари *Тахкамон…Йўшабашат*. Бу исмларнинг Хахмўн ва Ёшувам деган шакллари 1 Солномалар 11:11 дан олинган.

23:8 *“Уч қаҳрамон”* — булар энг донгдор жангчилар гуруҳи эди. Улар машҳур “Ўттиз қаҳрамон” гуруҳининг махсус бир қисми бўлган.

23:8 *У найзаси билан саккиз юз кишига ҳужум қилиб, ҳаммасини бир жангда ўлдирган эди* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 1 Солномалар 11:1 га қаранг). Ибронийча матнда *У Эзлик Адино бўлиб, бир пайтнинг ўзида саккиз юз кишини ўлдирган эди*.

23:11 *ясмиқ* — дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик дони.

23:13 *“Ўттиз қаҳрамон”* — машҳурликда иккинчи ўринда турган жангчилар гуруҳи.

23:13 *…ўша учаласи (улар “Ўттиз қаҳрамон” гуруҳи таркибига кирар эдилар)…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…ўттизтадан учтаси….* Баъзилар, матнда “Уч қаҳрамон”дан бошқа учта жангчига ишора қилинади, деб тушунадилар. Лекин шу бобдаги 17–оятнинг иккинчи қисмида берилган хулосада, 8-17–оятларда ўша учта жангчи тўғрисида сўз кетяпти, деган фикр айтилади.

23:13 *…Адуллам ғорига кетдилар* — Довуд Шоулнинг таъқибидан қочиб юрган пайтда бу воқеа юз берган бўлиши мумкин (1 Шоҳлар 22:1-6 га қаранг).

23:13 *Рафа водийси* — Қуддусдан бир неча километр жануби–ғарбда жойлашган.

23:18 *Ўттиз* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *Уч*. “Уч” ва “ўттиз” сўзлари ибронийчада деярли бир хил ёзилади. Шу бобнинг 19–оятида ҳам бор.

23:20 *Мўаблик икки довюрак одам* — ёки *Мўабдаги иккита улкан шер* ёхуд *Мўаблик Ориёлнинг икки ўғли*.

23:27 *Сибахай* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Мавуннай*. Унинг Сибахай деган шакли 1 Солномалар 11:29 дан олинган.

23:29 *Халед* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Халев*. Унинг Халед деган шакли 1 Солномалар 11:30 дан олинган.

23:30 *Хурай* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Хидой*. Унинг Хурай

деган шакли 1 Солномалар 11:32 дан олинган.

23:32-33 *...Харор шаҳридан Шахей ўғли Йўнатан...* — ибронийча матнда *...Йўнатан, Харор шаҳридан Шаммох...* “Харор шаҳридан Шахей ўғли Йўнатан” деган ибора 1 Солномалар 11:34 дан олинган. Қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларида *Харор шаҳридан Шаммох ўғли Йўнатан*.

24:13 *уч* — қадимий юнонча таржимадан (яна 1 Солномалар 21:12 га қаранг). Ибронийча матнда *етти*.

24:16 *...Ёбус халқидан бўлган Аравно деган одамнинг хирмонида...* — бу жой қадимги Қуддуснинг ташқарисидаги тепаликда жойлашган. Кейинроқ Сулаймон Маъбадни шу ерда қурган (1 Солномалар 22:1, 2 Солномалар 3:1 га қаранг).

24:22 *хўптир* — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта. Донни бошоқдан ажратиб олиш учун ўрилиб хирмонга ёйилган буғдой устидан хўптир юргизиларди.

24:24 *эллик кумуш танга* — ибронийча матнда *эллик шақал кумуш*, тахминан 550 граммга тўғри келади.

ШОҲЛАР
(УЧИНЧИ КИТОБ)

Кириш

“Шоҳлар (учинчи китоб)”да Исроил тарихининг давоми баён қилинади. Мазкур китобдаги воқеалар тафсилоти Довуд ва Сулаймоннинг бирлашган шоҳликка ҳукмронлик қилиш даври билан бошланади. Китобнинг давомида шоҳликнинг бўлиниб кетиши, мустақил Яҳудо ва Исроил шоҳликларининг юзага келиши ва ўша шоҳликларнинг илк даври баён қилинади. Ўша даврда ҳукмронлик қилган шоҳларнинг муваффақияти уларнинг сиёсий ёки иқтисодий ютуқлари билан эмас, балки Худога бўлган садоқати билан баҳоланар эди. Бу китобда “Шоҳлар (тўртинчи китоб)” билан бирга Яҳудо ва Исроил тарихининг фақат эътиборга сазовор бўлган муайян воқеалари ва шахслари ҳақида сўз юритилади. Бундан мақсад — тарихда таназзулга юз тутган иккала шоҳликнинг қисмати тўғрисида ҳикоя қилиш орқали китобхонга ахлоқ борасида сабоқ беришдир. Бу иккала шоҳликнинг аҳолиси пайғамбарларга қулоқ солмай, Худодан юз ўгирганлари учун душманларга мағлуб бўлиб, ўз юртларидан сургун қилинади.

“Шоҳлар (учинчи китоб)” ва “Шоҳлар (тўртинчи китоб)”нинг асл нусхаси битта иброний китоб бўлиб, иккала қисмини битта ўрамга жойлаш узунлик қилгани учун, китоб икки қисмга — “Шоҳлар (учинчи китоб)” ва “Шоҳлар (тўртинчи китоб)”га бўлинган.

“Шоҳлар (учинчи китоб)” уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда (1-2–боблар) шоҳ Довуд ҳаётининг сўнгги йиллари ва унинг ўғли Сулаймон Исроил шоҳи бўлгани тўғрисида ҳикоя қилинади. Иккинчи қисм (3-11–боблар) Сулаймон ҳукмронлиги давридаги воқеаларни ўз ичига олиб, бу қисмда у қанчалик шуҳрат таратгани ва бойигани тўғрисида ҳикоя қилинади. Иккинчи қисмда, асосан, Сулаймон қандай қилиб Худонинг Қуддусдаги уйини қургани ва уни Худога бағишлагани тўғрисида баён қилинади.

Китобнинг қолган қисми (12-22–боблар) Сулаймоннинг вафотидан кейин юз берган воқеалардан — шимолдаги қабилаларнинг Сулаймон ўғли Рахабомга қарши исён кўтаргани, Исроил халқининг иккита алоҳида шоҳликка бўлиниб кетгани тўғрисидаги воқеалардан иборат. Жанубдаги шоҳлик — Яҳудо, шимолдагиси — Исроил деб аталадиган бўлади. Китобнинг бу қисми иккала шоҳликнинг ҳукмдорлари тарихини ўз ичига олади. Ҳар бир шоҳ Худога бўлган содиқлигига қараб ҳукм қилинади. Агар шоҳ Худонинг қонунига содиқ бўлиб, Унга итоат этса, яхши деб мақталади. Агар Худога итоатсизлик қилиб, тўғри йўлдан озса, қабиҳ деб ҳукм қилинади. Ҳамма Исроил шоҳлари Худодан юз ўгириб, бегона худоларга сажда қилганлари учун, қабиҳ шоҳлар деб ҳукм қилинади. Яҳудо шоҳларининг кўпчилиги ўз боболари шоҳ Довуддан намуна олиб, унинг йўлидан юрганлари ва Худога сажда қилганлари учун яхши шоҳлар деб эътироф этилади.

“Шоҳлар (учинчи китоб)” яна Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг қабиҳ ҳукмдори Ахаб ва малика Изабелга қарши турган Илёс пайғамбар тўғрисидаги машҳур воқеаларни ҳам қамраб олган. Илёс пайғамбар Исроил халқини Худога итоат этишга ва бегона худоларга сажда қилмасликка даъват этади. Ушбу китоб Яҳудо шоҳи Ёҳушафат ва Исроил шоҳи Охозиё ҳукмронлиги давридаги воқеалар

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

билан тугайди.

1–БОБ

Шоҳ Довуд кексаяди

1 Шоҳ Довуд анча қариб қолди*. Уни кўрпа–тўшаклар билан ўраб ташлашса
ҳам, ҳеч исимас эди. 2 Шунда аъёнлари Довудга айтишди:
— Ҳазрати олийлари учун ёш, бокира қиз қидириб топсак. Ўша қиз шоҳимиз
олдида бўлсин, парвариш қилсин, шоҳимизнинг қучоғида ётсин. Ана шунда шоҳ
ҳазратлари исийдилар.
3 Шундай қилиб, бутун Исроил ҳудуди бўйлаб чиройли, бўйи етган қизни
қидирдилар. Ниҳоят, Шунамлик* Обиша исмли қизни топиб, шоҳ ҳузурига олиб
келишди. 4 Қиз ғоятда гўзал эди. У шоҳни парвариш қилиб, унинг хизматида
бўлди. Лекин шоҳ қизга яқинлашмади.

Одониё тахтга даъвогар бўлади

5 Абсалом вафот этгандан кейин, Хаггитнинг Довуддан кўрган ўғли Одониё
“Мен шоҳ бўламан”*, деб ўзини жуда катта тутадиган бўлиб қолди. У ўзига жанг
аравалари, чавандозлар ва элликта қўриқчи олди. 6 Отаси эса “Нима учун сен
бундай қиляпсан?” деб ҳеч қачон уни тергамади. Одониё Абсаломдан кейингиси
бўлиб, жуда чиройли йигит эди. 7 У Зеруя ўғли Йўаб ва руҳоний Абуатарга
маслаҳат солди. Иккови ҳам Одониё тарафига ўтдилар. 8 Лекин руҳоний Зодўх,
Ёҳайидо ўғли Бинаё, Натан пайғамбар, Шимах, Рей ва Довуднинг қўриқчилари
Одониё томонга ўтмадилар. 9 Одониё Эн–Рўғол булоғи* бўйидаги Зўхалат тоши
ёнида қўй, буқа ва боқилган бузоқларни қурбонлик қилиб, ҳамма ака–укаларини
— шоҳ ўғилларини, шоҳга қарашли барча Яҳудо аъёнларини таклиф қилди*.
10 Натан пайғамбарни, Бинаёни, шоҳнинг қўриқчиларини, укаси Сулаймонни эса
таклиф қилмади.

Сулаймон тахтга ўтиради

11 Шундан сўнг Натан Сулаймоннинг онаси Ботшевага деди:
— Хаггитнинг ўғли Одониё ўзини ўзи шоҳ қилганини, Довуд ҳазратлари эса бу
аҳволдан бехабар эканини эшитмадингми? 12 Энди мен сенга шундай маслаҳат
бераман: сен ўзингнинг ва ўғлинг Сулаймоннинг ҳаётини қутқар. 13 Шоҳ Довуд
саройига бориб, унинг ҳузурига киргин. Шоҳга шундай деб айт: “Шоҳ ҳазратлари
бу чўрисига, ўғлинг Сулаймон шоҳ бўлади, мендан кейин тахтга у ўтиради, деб
ваъда бермаганмидилар?! Нимага энди Одониё шоҳ бўлиб қолди?” 14 Сен у ерда
шоҳ билан суҳбатни давом эттираётганингда, мен орқангдан кириб, сенинг
гапингни қўллаб–қувватлайман.
15 Ботшева бориб, шоҳ Довуднинг хонасига кирди: шоҳ жуда мункиллаб
қолган, Шунамлик Обиша эса унинг хизматини қилаётган эди. 16 Ботшева шоҳга
эгилиб таъзим қилди.
— Тила тилагингни, — деди шоҳ. 17 Ботшева унга деди:
— Шоҳ ҳазратлари! Бу чўрингизга ўз Эгангиз Худо номи билан онт ичиб
“Мендан кейин ўғлинг Сулаймон шоҳ бўлади, мендан кейин тахтга у ўтиради”, деб
ваъда берган эдингиз–ку. 18 Энди эса Одониё шоҳ бўлиб қолибди. Шоҳ ҳазратлари
эса бу ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. 19 У бир талай буқа, боқилган бузоқ ва қўйлар
сўйиб, шоҳимизнинг ҳамма ўғилларини, руҳоний Абуатарни, лашкарбоши Йўабни
таклиф қилибди. Қулингиз Сулаймонни эса таклиф қилмабди. 20 Шоҳ ҳазратлари!
Жамики Исроил халқининг кўзлари сизга қадалган, ўзингиздан кейин тахтга ким

ўтиришини сиз эълон қилишингизни кутишяпти. 21 Акс ҳолда, шоҳ ҳазратлари
оламдан ўтиб, ота–боболари ёнига кетганларида, мен ва ўғлим Сулаймон
хиёнаткордай бўлиб қоламиз.
22 Ботшева шоҳ билан гаплашаётганда, Натан пайғамбар етиб келди. 23 Шунда
шоҳга: “Натан пайғамбар шу ердалар, сизни кўрмоқчилар”, деб хабар беришди.
Натан шоҳ ҳузурига кирди–ю, ер ўпиб унга таъзим қилди. Ботшева эса чиқиб
кетди. 24 Кейин Натан шоҳга деди:
— Шоҳ ҳазратлари! Сиз “Мендан кейин Одониё шоҳ бўлади, мендан кейин
тахтга у ўтиради”, деб айтган эдингизми? 25 У бугун чиқибоқ бир талай буқа,
боқилган бузоқ, қўйлар сўйиб, шоҳнинг ҳамма ўғилларини, қўшинингизнинг
лашкарбошиларини ва руҳоний Абуатарни таклиф қилди. Ҳаммалари
Одониёнинг ҳузурида еб–ичиб ўтиришибди, “Яшасин шоҳ Одониё!” деб
бақиришяпти. 26 Мен, қулингизни, руҳоний Зодўхни, Ёҳайидо ўғли Бинаёни ва
қулингиз Сулаймонни эса таклиф қилмади. 27 Буларнинг ҳаммаси шоҳ
ҳазратларининг хоҳишига кўра бўлдими? Шоҳ ҳазратлари ўзларидан кейин
тахтга ким ўтириши ҳақида биз, қулларига нега аён қилмадилар?
28 Шунда Довуд: “Ботшевани менга чақиринглар!” — деди. Ботшева кириб, шоҳ
қаршисида турди. Натан чиқиб кетди. 29 Шоҳ онт ичиб Ботшевага айтди:
— Мени ҳар қандай балолардан доимо сақлаб келган Худойим шоҳид! 30 Мен
Исроил халқининг Худоси — Эгамиз номи билан онт ичиб, сенга “Ўғлинг
Сулаймон шоҳ бўлади, мендан кейин тахтга у ўтиради”, деб ваъда берган эдим.
Ўша онтимни бугун адо этаман.
31 Ботшева ер ўпиб, шоҳга таъзим қилди:
— Шоҳимиз Довуд ҳазратлари дунё тургунча турсинлар!
32 — Руҳоний Зодўхни, Натан пайғамбарни, Ёҳайидо ўғли Бинаёни менинг
ҳузуримга таклиф қилинглар! — деди шоҳ Довуд. Улар шоҳ ҳузурига кириб
келдилар. 33 Шундан сўнг шоҳ уларга:
— Ёнингизга шоҳингизнинг қўриқчиларини олинглар, — деди. — Ўғлим
Сулаймонни менинг хачиримга ўтқазиб, Гихўн булоғига* олиб боринглар. 34 У
ерда руҳоний Зодўх ва Натан пайғамбар Сулаймоннинг бошига мой суртиб, уни
Исроил шоҳи қилсинлар. Кейин бурғу чалиб, баланд овоз билан: “Яшасин шоҳ
Сулаймон!” деб айтинглар. 35 Сўнг унинг орқасидан қайтиб келинглар. У келгач,
менинг тахтимга ўтирсин, менинг ўрнимга шоҳ бўлсин. Мен уни Исроил ва
Яҳудонинг* ҳукмдори қилиб тайинладим.
36 Бинаё шоҳга қарата:
— Омин! Шоҳимиз ҳазратларининг Худоси — Эгамизнинг амри ҳам шундай
бўлсин! — деди. 37 — Эгамиз доимо шоҳ ҳазратлари билан бўлган эди. Бундан
кейин У Сулаймонга ёр бўлсин, Сулаймоннинг тахтини шоҳимиз Довуд
ҳазратлари тахтидан ҳам юксак қилсин.
38 Руҳоний Зодўх, Натан пайғамбар, Ёҳайидо ўғли Бинаё, шоҳнинг Харетлик ва
Палатлик қўриқчилари* Сулаймонни шоҳ Довуднинг хачирига ўтқазиб
жўнадилар. Ниҳоят, уни Гихўн булоғига олиб келдилар. 39 Руҳоний Зодўх
чодирдан* олиб келган мой солинган қўчқор шохини* олиб чиқди ва
Сулаймоннинг бошига мой суртди. Кейин бурғу чалдилар. Шунда бутун халқ:
“Яшасин шоҳ Сулаймон!” деб қичқирди. 40 Халқ Сулаймонга эргашиб, най чалиб,
ўйин–кулги қилиб кетди. Халқнинг қийқириғидан гўё ер титраб кетди.
41 Одониё ва ҳамма таклиф қилинганлар таомни еб бўлар–бўлмас,
шовқин–суронни эшитиб қолдилар. Йўаб бурғу овозини эшитиб: “Нимага
бунчалик шовқин? Шаҳарни ларзага келтиради–я”, — деди. 42 У гапини

тугатмаган ҳам эдики, руҳоний Абуатарнинг ўғли Йўнатан кириб келди.
— Кел, — деди Одониё унга, — сен улуғ одамсан, яхши хабар олиб келяпсан–ов.
43 — Йўқ, шоҳимиз Довуд ҳазратлари Сулаймонни шоҳ қилиб кўтардилар, — деб жавоб берди Йўнатан. 44 — Шоҳ Довуд у билан бирга руҳоний Зодўхни ва Натан пайғамбарни, Бинаёни, ўзининг Харетлик ва Палатлик қўриқчиларини жўнатди. Улар Сулаймонни шоҳнинг хачирига ўтқазишди. 45 Руҳоний Зодўх ва Натан пайғамбар Гихўн булоғида Сулаймоннинг бошига мой суртиб, уни шоҳ қилдилар. У ердан шод–хуррам бўлиб қайтиб келишди. Шунинг учун шаҳар ола–ғовур бўлиб қолди. Сизлар эшитаётган шовқин–суроннинг боиси шудир.
46 Сулаймон шоҳлик тахтига ўтирибди. 47 Шоҳнинг аъёнлари Довуд ҳазратларини табриклаш учун келиб шундай дейишди: “Сулаймоннинг номини Худойингиз сизнинг номингиздан ҳам кўпроқ улуғласин, унинг тахтини сизнинг тахтингиздан ҳам юксалтирсин.” Шоҳ эса тўшагида ётганича Худога сажда қилиб,
48 шундай деди: “Исроил халқининг Худоси — Эгамизга ҳамду санолар бўлсин! У бугун кўзларим очиқлигида зурриётимдан биттасини тахтга ўтқазди.”
49 Одониёнинг меҳмонлари қўрқув ичида ўринларидан туриб, ҳаммаси ҳар ёққа тарқалиб кетдилар. 50 Одониё ҳам Сулаймондан қўрққанидан ўрнидан турди–ю, қочиб бориб, қурбонгоҳнинг бурчагидан маҳкам ушлаб олди*.
51 Сулаймонга шу хабарни олиб келдилар: “Одониё шоҳ Сулаймондан қўрқяпти, у қурбонгоҳнинг бурчагини маҳкам ушлаб олиб, Сулаймон, бу қулимни ўлдирмайман, деб олдин менга сўз берсин, деяпти.”
52 — Агар у менга содиқ бўлса, — деди Сулаймон, — бошидаги бир тола сочига ҳам зарар етмайди. Борди–ю, кўнглида ёмонлик бўлса, бошини оламан.
53 Шоҳ Сулаймон одам юбориб, Одониёни қурбонгоҳдан олдириб келди. Одониё келиб, шоҳ Сулаймонга таъзим қилди. Шундан сўнг Сулаймон: “Бор, уйингга жўна!” — деди унга.

2–БОБ

Довуднинг Сулаймонга васияти

1 Довуднинг умри охирлаб бораётган эди. У ўғли Сулаймонга шундай деб васият қилди:
2 — Энди менинг ҳам умрим охирлаб боряпти. Сен қатъий иродали, мардонавор бўл. 3 Эганг Худо қўйган талабларни бажар. Мусонинг Таврот китобида ёзилганидай, Унинг йўлидан юриб, фармон ва амрларига, қонун–қоидалари ва шартларига риоя қил. Шунда нима қилсанг ҳам, қаерга борсанг ҳам, ҳар доим барака топасан. 4 Эгамиз мен ҳақимда айтган мана бу ваъдасини адо этади: “Агар ўғилларинг Менинг олдимда ўз йўлларидан адашмай, бутун қалби билан, жону дили билан содиқ бўлиб юрсалар, сенинг наслингдан бўлган эркак зоти то абад Исроил тахтида ўтиради.” 5 Яна Зеруя ўғли Йўаб менга нима қилганини сен биласан. У Исроилнинг иккита лашкарбошисини — Нар ўғли Абнур билан Этер ўғли Эмосани ўлдириб, тинчлик пайтида уруш давридагидай қон тўкди*. Чориғидан тортиб, белигача урушдагидай қонга булғанди. 6 Йўаб ажалидан беш кун бурун ўлсин, ўликлар диёрига* тинчгина кирмасин. Шунга ақлингни ишлат. 7 Гиладлик Борзулайнинг ўғилларига садоқатли бўл. Улар сенинг дастурхонингдан таом ейдиганлар орасида бўлсин. Чунки мен аканг Абсаломдан қочиб юрганимда, улар менинг олдимда ҳозиру нозир бўлишди*.
8 Эсингда бўлсин: ёнингда Бенямин қабиласидан Бохуримлик Гера ўғли Шимах

ҳам бор. Моханайимга қочиб ўтаётганимда, у мени ёмон қарғаган эди*. Лекин кейинроқ у мени кутиб олиш учун Иордан дарёси бўйига чиқди. Мен Эгамиз номи билан онт ичиб, унга: “Сени ўлдирмайман”, деган эдим*. 9 Лекин сен уни айбсиз деб билма. Сен ақлли одамсан, нима қилишни ўзинг биласан. У қариб қолган бўлса ҳам, ўлдирилиши керак.

Довуднинг ўлими

10 Ниҳоят, Довуд оламдан ўтиб, Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн қилинди. 11 Довуд Исроилда қирқ йил шоҳлик қилди: шундан етти йили Хевронда, ўттиз уч йили Қуддусда ўтди. 12 Шундай қилиб, Сулаймон отаси Довуд ўрнига тахтга ўтирди. Унинг шоҳлиги мустаҳкам бўлди.

Одониёнинг ўлими

13 Хаггитнинг ўғли Одониё Сулаймоннинг онаси Ботшева ҳузурига келди.

— Тинчликми, бу ерга яхшилик билан келдингми? — деб сўради Ботшева.

— Ҳа, яхшилик билан, — деди Одониё. 14 — Сизда гапим бор эди.

— Гапиравер, — деди Ботшева.

15 Одониё гап бошлади:

— Яхши биласиз, мен шоҳ бўлишим керак эди*. Бутун Исроил халқи менга, бўлажак шоҳ, деб кўз тикиб турган эди. Лекин шоҳлик қўлдан кетди, Эгамизнинг хоҳиши билан укамга насиб қилган экан. 16 Энди сиздан бир ўтинчим бор, фақат йўқ деманг.

— Гапир, — деди Ботшева.

17 — Илтимосим шуки, — деди Одониё, — шоҳ Сулаймон билан гаплашсангиз, Шунамлик Обишани менга хотинликка берса. Сиз айтсангиз, йўқ демайди.

18 — Яхши, мен шоҳга сен тўғрингда айтиб кўрай–чи, — деди Ботшева.

19 Ботшева, Одониё ҳақида гаплашай деб, шоҳ Сулаймон ҳузурига кетди. Шоҳ унга пешвоз чиқиб, таъзим қилди, кейин яна тахтига ўтирди. Шоҳнинг онаси учун ҳам тахт қўйиб беришди. Ботшева шоҳнинг ўнг томонига* ўтирди.

20 — Сенга битта кичкинагина илтимосим бор, қайтармагин, — деди Ботшева.

— Сўранг, онажон, тилагингиз бажо бўлар, — деди шоҳ.

21 — Шунамлик Обишани аканг Одониёга хотинликка берсанг, — деди Ботшева.

22 Сулаймон киноялиоҳангда онасига деди:

— Нимага Одониё учун сиз фақат Шунамлик Обишани сўраяпсиз? Одониё акам бўлгандан кейин, у учун шоҳликни ҳам сўрайверинг. Ахир, руҳоний Абуатар, Зеруя ўғли Йўаб унинг тарафини олишларини биласиз–ку!

23 Шоҳ Сулаймон Эгамиз номи билан онт ичиб, шундай деди:

— Агар Одониёни шу гапи учун ўлдирмасам, Худо мени ҳар қандай жазога мубтало қилсин, ундан ҳам баттарроғига дучор қилсин. 24 Отам Довуднинг тахтига мени ўтқазиб, куч–қудратимни оширган ва Ўзи айтганидай, менинг сулоламни яратган Худо шоҳид! Одониё шу бугуноқ ўлдирилади!

25 Шоҳ Сулаймон Бинаёни жўнатди. Бинаё Одониёни ўлдирди.

Абуатарнинг бадарға қилиниши ва Йўабнинг ўлдирилиши

26 Руҳоний Абуатарга эса Сулаймон шу гапларни айтди:

— Сен Онотўтга* — ўзингнинг ерингга жўнаб қол! Сен аслида ўлимга лойиқсан! Лекин сен отам Довуднинг олдида Эгамиз Раббийнинг Сандиғини олиб борган эдинг, отам билан бирга ҳар нарсага бардош берган эдинг. Шунинг учун ҳозир сени ўлдирмайман!

27 Сулаймон Абуатарни Эгамизнинг руҳонийлигидан маҳрум қилди. Шундай

қилиб, Эгамизнинг Шилўда Элах хонадони ҳақида айтган сўзлари бажо бўлди*.
28 Бу хабарни Йўаб ҳам эшитди. Абсаломга эргашмаган бўлса ҳам, Одониё исён
кўтарганда, Йўаб унга қўшилган эди. Одониёнинг ўлими ҳақида эшитган Йўаб
Эгамизнинг Муқаддас чодирига қочиб борди ва қурбонгоҳнинг бурчагидан ушлаб
олди*. 29 "Йўаб Эгамизнинг Чодирига қочиб кетибди, қурбонгоҳ ёнида экан" деган
хабарни Сулаймонга етказишди. Сулаймон ўша заҳоти Бинаёни жўнатиб: "Бор,
уни ўлдириб кел", деб буюрди. 30 Бинаё Эгамизнинг Чодирига келиб, Йўабга:
"Шоҳимиз сени, Чодирдан чиқсин, деяптилар", деб хабар берди. Йўаб эса: "Йўқ,
мен шу ерда ўлишни истайман", деб жавоб қилди. Бинаё: "Йўаб менга
шундай–шундай деди", деб шоҳга етказди. 31 Шоҳ Бинаёга:
— У нима деган бўлса, айтганини қил, — деди, — уни ўлдириб, дафн қил, токи
Йўаб тўккан бегуноҳ қонларнинг жавобгарлиги менинг ва отам хонадонининг
гарданида қолмасин. 32 Эгамиз унинг қонини ўзининг бошига етказсин. У отам
Довудга билдирмасдан, иккита солиҳ, ўзига қараганда яхши инсонни ўлдирган
эди. Улардан бири Исроил лашкарбошиси Нар ўғли Абнур, иккинчиси эса Яҳудо
лашкарбошиси Этер ўғли Эмоса* эди. 33 Икковининг қони то абад Йўабнинг
гарданида, унинг насли гарданида қолсин. Эгамиз Довудни, унинг наслини,
хонадонини ва тож–тахтини то абад саломат қилсин!
34 Сўнг Бинаё бориб, Йўабни ҳам ўлдирди. Йўаб чўл яқинидаги ўз уйида дафн
қилинди. 35 Шоҳ Сулаймон Йўабнинг ўрнига Бинаёни лашкарбоши, Абуатарнинг
ўрнига Зодўхни руҳоний қилиб тайинлади.

Шимахнинг ўлими

36 Шундан сўнг шоҳ одам юбориб, Шимахни чақиртириб келди ва унга шундай
деди:
— Қуддусда ўзингга бир уй қур ва ўша ерда ўтир. У ердан ҳеч қаерга чиқма.
37 Шуни билиб қўйки, ўша ердан чиқиб, Қидрон сойлигидан* ўтсанг, ўша куниёқ
ўлиминг муқаррардир. Ўзингнинг бошингни ўзинг ейсан.
38 — Хўп бўлади, шоҳ ҳазратлари, гапингиз тўғри, — деди Шимах шоҳга. —
Нима буюрсалар, мен, қулингиз, бажо айларман.
Шундай қилиб, Шимах узоқ вақт Қуддусда яшаб қолди.
39 Лекин орадан уч йил ўтиб, бир воқеа юз берди: Шимахнинг икки қули Гат*
шоҳи Охишнинг ёнига қочиб кетди. Шоҳ Охиш Махо деганнинг ўғли эди.
Шимахга: "Қулларинг Гатда экан", деб хабар бердилар. 40 Шимах эшагини
эгарлади ва қулларини излаб Гатга — Охиш ҳузурига йўл олди. У ерга бориб,
қулларини қайтариб олиб келди. 41 Шундан кейин Сулаймонга: "Шимах
Қуддусдан Гатга бориб, яна қайтиб келибди", деб хабар бердилар. 42 Шоҳ
Шимахни чақиртириб келиб, унга шундай деди:
— Сенга: "Билиб қўй, Қуддусдан чиқиб, бирор ерга борган кунингоқ ўлишинг
муқаррар", деб Эгамиз номи билан онт ичдириб, қаттиқ огоҳлантирмаганмидим?!
Сен эса: "Хўп бўлади! Гапингиз тўғри" деган эдинг. 43 Нега Эгамизга ичган
онтингга ва менинг амримга итоат қилмадинг?
44 Шоҳ яна Шимахга айтди:
— Отам Довудга қилган ёмонликларингни ўзинг биласан, юрагингда
муҳрланиб қолган. Қилган ёмонликларинг учун сенга Эгамиздан қайтсин! 45 Шоҳ
Сулаймон эса Эгамизнинг марҳаматидан баҳраманд бўлсин, Довуднинг тож–тахти
Эгамизнинг олдида то абад мустаҳкам турсин!
46 Сўнг шоҳ Сулаймон Бинаёга амр берди, у чиқибоқ, Шимахни ўлдирди.
Шундай қилиб, Сулаймоннинг шоҳлиги хавф–хатардан холи бўлиб,
мустаҳкамланди.

3–БОБ

Сулаймон Эгамиздан донолик сўрайди

1 Сулаймон Миср шоҳи — фиръавннинг қизларидан бирига уйланиб, фиръавн
билан алоқасини мустаҳкамлади, хотинини эса Қуддусдаги Довуд қалъасига олиб
келди. У ўз саройини, Эгамизнинг уйини ва Қуддус атрофидаги деворни
битиргунга қадар, хотини ўша ерда яшади. 2 Халқ ҳали ҳам турли жойлардаги
саждагоҳларда* қурбонлик қилиб юрарди, чунки ўша кунларгача Эгамизга атаб
бир уй қурилмаган эди.
3 Сулаймон Эгамизни севарди, шунинг учун отаси Довуднинг кўрсатмалари
бўйича юрарди. Лекин у ҳам саждагоҳларда қурбонлик қилар ва тутатқи
тутатарди.
4 Шоҳ қурбонлик қилиш учун Гивонга* кетди. Чунки энг асосий саждагоҳ ўша
ерда эди. Сулаймон илгари ҳам ўша қурбонгоҳда минглаб куйдириладиган
қурбонликлар келтирган эди.
5 Сулаймон Гивонда кечаси туш кўрди. Тушида Эгамиз зоҳир бўлди. Худо унга:
— Тила тилагингни! — деди.
6 Сулаймон айтди:
— Эй Худойим! Отам Довуд Сенинг қулинг эди. Отам Сенга содиқ бўлиб,
солиҳлик билан, тўғри кўнгил билан юргани учун унга улуғ севгингни
кўрсатдинг. Отамга марҳамат қилиб, бугун унинг тахтига ўтирмоғи учун унга бир
ўғил ато этдинг. 7 Эй Эгам Худо, энди бу қулингни отам Довуд ўрнига шоҳ
қилдинг. Мен эса бир ёш боладайман, кўп нарсага ақлим етмайди, нима
қилишимни ҳам билмайман. 8 Энди мен, қулинг, Ўзинг танлаб олган халқни
бошқаришим лозим. Кўплигидан бу халқни ҳисоблаб чиқишнинг имкони ҳам йўқ.
9 Энди халқингга шоҳлик қилишим учун менга ақл–идрок бергин, токи яхшилик
билан ёмонликнинг фарқига борайин. Бинобарин, Сенинг шу қадар беҳисоб
халқингга ким ҳукмронлик қила олади?!
10 Сулаймон сўраган нарсалар Раббийга маъқул бўлди. 11 Сўнг Худо унга деди:
— Сен ўзинг учун узоқ умр сўрамадинг, ўзинг учун бойлик истамадинг,
душманларингнинг жонини сўрамадинг. Аксинча, тўғри ҳукм этмоқ учун ўзингга
ақл–идрок сўрадинг. 12 Ўзингнинг сўраганингга кўра, сенга донишмандлик ва
ақл–идрок ато қиламан. Сендан аввал ўзингга ўхшагани дунёга келмаган эди,
бундан сўнг ҳам сенга ўхшагани дунёга келмас. 13 Яна ўзинг сўрамаган
нарсаларни — бойлик ва шон–шуҳратни ҳам бераман: умринг бўйи шоҳлар
орасида сенга тенг келадигани бўлмас. 14 Сен ҳам отанг Довуд сингари, Менинг
йўлларимдан юрсанг, фармонларимга, амрларимга риоя қилсанг, умрингни янада
узайтираман.
15 Сулаймон уйғониб кетди, ҳаммаси туш эди. Шундан кейин у Қуддусга келди
ва Эгамизнинг Аҳд сандиғи* олдида туриб, куйдириладиган қурбонликларни ва
тинчлик қурбонликларини келтирди, ҳамма аъёнларига зиёфат берди.

Сулаймоннинг донишмандлигидан бир лавҳа

16 Бир куни иккита фоҳиша хотин шоҳнинг ҳузурига келиб, унинг олдига
киришди. 17 Хотинлардан бири гап бошлади:
— Ҳазрати олийлари! Мен мана бу аёл билан бир уйда яшайман. У билан уйда
қолганимда, менинг кўзим ёриди. 18 Шундан кейин, учинчи куни бу аёл ҳам
фарзанд кўрди. Хуллас, биз бирга эдик. Уйда фақат икковимиз, бошқа одам йўқ
эди. 19 Манави хотин кечаси боласини босиб олган экан, боласи ўлиб қолибди.
20 Ярим кечаси туриб, мен ухлаб ётганимда, ўғлимни бағримдан олиб, ўзининг

ёнига қўйибди. Нобуд бўлган боласини эса менинг ёнимга ётқизиб қўйибди.
21 Боламни эмизиш учун саҳарда турсам, у жонсиз ётган экан. Фақат тонг
ёришгандагина менинг ўғлим эмаслигини билдим.
22 Иккинчи хотин эса:
— Йўқ, тириги — менинг ўғлим, ўлган бола — сеники! — деди.
Биринчиси эса:
— Йўқ, ўлган бола — сеники, тириги — меники! — деди.
Шундай қилиб, улар шоҳ ҳузурида можаро қилишди. 23 Ниҳоят, шоҳ деди:
— Бирингиз: “Тириги — менинг ўғлим, нобуд бўлгани — сеники”, деяпсиз.
Иккинчингиз эса: “Йўқ, нобуд бўлгани — сеники, тириги — меники”, деяпсиз.
24 Шундан кейин шоҳ:
— Менга бир қилич олиб келинглар! — деб буюрди. Шоҳга қилич олиб
келишди. 25 — Тирик болани иккига бўлинглар. Ярмини бирига, ярмини эса
иккинчисига беринглар! — деб буюрди.
26 Шу заҳоти боласи тирик қолган аёл шоҳга деди:
— Ҳазрати олийлари! Тирик қолган болани манави аёлга бераверинг! Уни
ўлдирмасангиз бўлди!
Бу аёлнинг фарзанди учун жони ачирди.
Наригиси эса:
— Менга ҳам бўлмасин, сенга ҳам, иккига бўлаверинглар! — деди.
27 Шу онда шоҳ:
— Тўхтанглар, болани ўлдирманглар! — деди. — Болани раҳмдил аёлга
беринглар, онаси ўшадир.
28 Шоҳ чиқарган бу ҳукмни бутун Исроил халқи эшитди. Шундан кейин шоҳдан
ҳайиқадиган бўлдилар, чунки эътибор берсалар, адолатли ҳукм қилиш учун Худо
унга донишмандлик ато қилган экан.

4–БОБ

Сулаймоннинг аъёнлари

1 Сулаймон бутун Исроилнинг шоҳи эди. 2 Унинг қўли остидаги аъёнлар
қуйидагилар эди:

Зодўх ўғли Озариё — руҳоний,
3 Шишонинг ўғиллари Элихорут ва Охиё — котиб,
Охилуд ўғли Ёҳушафат — тарихнавис,
4 Ёҳайидо ўғли Бинаё — лашкарбоши,
Зодўх билан Абуатар — руҳоний,
5 Натан ўғли Озариё — ҳокимларнинг назоратчиси,
Натан ўғли Забуд — руҳоний ва шоҳнинг маслаҳатчиси,
6 Охисар — сарой бошқарувчиси,
Абдах ўғли Одонирам — қаролларнинг бошлиғи эди.

7 Сулаймоннинг ўн иккита ҳокими бўлиб, улар Исроил ҳудудларини бошқарар,
шоҳни ва шоҳ хонадонини озиқ–овқат билан таъминлардилар. Ҳар биттаси
йилига бир ой давомида шоҳ хонадонига озиқ–овқат етказиб бериши шарт эди.
8 Уларнинг исмлари қуйидагича эди:

Эфрайим қирларида — Банхур,
9 Мохаз, Шалбим, Байт–Шамаш, Элўн–Байт–Ханон деган шаҳарларда —

Бандахор,
10 Арбўт ва Сўху шаҳарларида, бутун Хафер ўлкасида — Банхесед,
11 Бутун Нафўт–Дўр* деган жойда — Банабунадав (Сулаймоннинг қизи
Тўфат Банабунадавнинг хотини эди),
12 Танах ва Магидў шаҳарларида, бутун Байт–Шан ҳудудида — Охилуд ўғли
Бано (бу жой Йизрил этагидаги Зоратон шаҳридан Овил–Махла
шаҳригача ва Ёхмаём шаҳрининг нариги томонига қадар бўлган
ерлардир),
13 Гиладдаги Рамўт шаҳрида — Бангебер, шунингдек, Манаше ўғли Ёвир
уруғига қарашли Гилад ўлкасидаги қишлоқлар, Башан ўлкасидаги
Аргоб ҳудуди, девор билан ўралган ва дарвозаси бронза тамба билан
мустаҳкамланган олтмишта катта шаҳар ҳам унга қарашли эди.
14 Моханайим ерларида — Иддо ўғли Охинадав,
15 Нафтали ҳудудида — Охимас (у Сулаймоннинг қизи Босиматга уйланган
эди),
16 Ошер ҳудудида ва Болўт шаҳрида — Хушай ўғли Бано,
17 Иссахор ерларида — Парувах ўғли Ёҳушафат,
18 Бенямин ерларида — Эла ўғли Шимах,
19 Гилад ўлкасида — Ури ўғли Гебер. Илгари Гилад ўлкасида Амор шоҳи
Сихўн ва Башан шоҳи Ўг ҳукмронлик қилишган.

Яҳудо юртининг ўз ҳукмдори бор эди*.

Сулаймон ҳукмронлигининг равнақ топиши

20 Яҳудо ва Исроил халқи шу қадар кўп эдики, гўё денгиз қирғоғидаги қумни
эслатарди. Улар еб–ичиб, хурсандчилик билан яшарди. 21 Сулаймон Фурот
дарёсидан Филистлар ерига ва Миср чегараларига қадар бўлган ҳамма ўлкаларда
шоҳлик қиларди. Бу ўлкалардаги халқлар Сулаймонга ўлпон тўлаб, умр бўйи унга
тобе бўлдилар.
22 Сулаймон хонадонининг бир кунлик озиғи қуйидагича эди: 300 тоғора*
сифатли ун ва 600 тоғора* кепакли ун, 23 оғилхонада боқилган 10 та семиз мол ва
яйловда боқилган 20 та буқа, 100 та қўй, булардан ташқари, буғулар, кийиклар,
оҳулар, семиз паррандалар.
24 Фурот дарёсининг ғарбидаги Тифсахдан Ғазо шаҳрига қадар бўлган
ўлкаларда, дарёнинг ғарб томонидаги ҳамма шоҳлар устидан Сулаймон ҳукмрон
эди. Атрофдаги ҳамма юртлар билан алоқаси яхши эди. 25 Сулаймон ҳаётлигида
Дандан Бершебагача бўлган Яҳудо ва Исроил юртидаги ҳар бир одам ўз
узумзорида, ўз анжир дарахти остида тинчгина умр кечирарди.
26 Сулаймоннинг отхоналарида жанг аравалари учун 4000* оти ва 12.000 учқур
отлари бор эди. 27 Ўша ўн икки ҳокимнинг ҳар бири шоҳ Сулаймонни, шоҳ
Сулаймоннинг дастурхонидан таом ейдиганларнинг ҳаммасини белгиланган
ойда озиқ–овқат билан таъминларди, бирорта ҳам камчиликка йўл қўйишмасди.
28 Ҳар бири ўзининг навбати келганда шоҳ тайинлаган ерга* жанг араваларининг
отлари ва бошқа отлар учун арпа, сомон ҳам олиб келишарди.
29 Шундай қилиб, Худо Сулаймонга денгиз қирғоғидаги қум каби
чексиз–чегарасиз донолик, идрок, тенгсиз ақл берди. 30 Сулаймоннинг донолиги
бутун шарқ халқларининг донолигидан, бутун Миср халқининг донолигидан ҳам
ортиқ эди. 31 У ҳамма инсонлардан, Зерах уруғидан бўлган Этхандан, Мохул
ўғиллари Хаман, Қолкўл, Дардахдан ҳам доно эди. Атрофдаги ҳамма халқлар
орасида унинг донғи кетган эди. 32 У 3000 матал, 1005 та қўшиқлар ижро этди. 33 У

Лубнондаги садр дарахтидан тортиб, деворда ўсган иссопгача, қўйингки, жамики дов–дарахтлар, ҳайвонлар, қушлар, судралиб юрувчилар, балиқлар ҳақида сўз юритарди. 34 Сулаймоннинг донолиги ҳақида эшитган дунёдаги ҳамма шоҳлар унинг олдига одамларини юборарди. Барча халқлардан келган бу одамлар Сулаймоннинг донолигидан баҳраманд бўларди.

5–БОБ

Сулаймон Эгамизнинг уйини қуришга тайёргарлик кўради

1 Тир* шоҳи Хирам: “Сулаймонни отасининг ўрнига мой суртиб шоҳ қилиб
кўтаришибди” деган хабарни эшитгач, аъёнларини унинг ҳузурига жўнатди.
Хирам Довудни доимо ўзига дўст деб биларди*. 2 Сулаймон ҳам Хирам ҳузурига
аъёнларини жўнатиб, шу гапларни айтиб юборди:

3 “Сиз биласизки, отам доимо душманларига қарши жанг қилиш билан
банд бўлиб, ўзининг Эгаси Худога атаб бир уй бунёд эта олмади. Ниҳоят,
Эгам отам Довуднинг душманларини унинг оёқлари остига ташлади. 4 Эгам
Худо энди менга ҳар тарафдан осойишталик ато этди: ҳозирда на ғанимим
бор, на ҳужум хавфи бор. 5 Эгам отам Довудга: «Сендан кейин тахтга
ўғлингни ўтқазганимда, Менга атаб уйни у барпо қилади», деган эди.
Шунинг учун Эгам Худога атаб бир уй қурмоққа қарор қилдим. 6 Энди сиз
амр беринг, Лубнонда менга садр дарахтлари кесиб берсинлар. Менинг
одамларим сизнинг одамларингиз билан бирга ишлайдилар.
Одамларингизга сиз сўраган ҳақни бераман. Ўзингиз биласиз, дарахт
кесишда Сидонлик одамларингизга тенг келадиган устаси бизнинг
орамизда йўқ.”

7 Хирам Сулаймон юборган хабарни эшитгач, жуда хурсанд бўлиб, шундай
деди: “Ўша буюк халқни бошқариш учун Эгамиз Довудга доно бир ўғил ато
қилибди, Эгамизга ҳамду санолар бўлсин.” 8 Кейин у Сулаймонга шундай хабар
жўнатди:

“Менга айтиб юборган гапларингни эшитдим. Садр ва сарв дарахти
кесишни сўраган экансан, эҳтиёжингни қондираман. 9 Қаролларим
ёғочларни Лубнондан денгизга судраб келадилар. Қаерни тайин этсанг,
ёғочлардан сол* қилиб, денгиз соҳили бўйлаб ўша ерга келтириб бераман.
У ерда солларни ечдираман, сен эса олиб кетаверасан. Менинг эҳтиёжимни
қондириб, одамларим учун озиқ–овқат берасан.”

10 Шундай қилиб, Хирам, Сулаймоннинг эҳтиёжига кўра, садр ва сарв ёғочлари
берди. 11 Сулаймон эса, Хирамнинг одамлари истеъмол қилсин деб, 200.000
тоғора* буғдой ва 40.000 кўза* тоза мой берди. У ҳар йили Хирамга шунча
миқдорда буғдой ва мой бериб турди. 12 Эгамиз эса ваъдасига кўра, Сулаймонга
донишмандлик берди. Хирам билан Сулаймон ўртасида тотувлик пайдо бўлиб,
улар ўзаро сулҳ туздилар.
13 Шоҳ Сулаймон бутун Исроилдан 30.000 қаролни мажбурлаб олди. 14 Навбати
билан ойига 10.000 нафар қаролни Лубнонга жўнатиб турди. Улар бир ой
Лубнонда, икки ой уйда бўлишарди. Бу қаролларга Одонирам бошчилик қиларди.
15 Яна Сулаймоннинг оғир юк ташувчи 70.000, қирларда тош кесадиган 80.000
одами бор эди. 16 Булардан ташқари, қаролларни назорат қиладиган, ишнинг

бошида турадиган 3300 нафар назоратчи ҳам бор эди. 17 Сулаймон амр бергач,
улар Эгамизнинг уйи пойдеворини тарошланган тошдан барпо қилиш учун
йирик мармар тошларни кесдилар. 18 Сулаймоннинг одамлари, Хирамнинг
одамлари, Габолликлар* тошларни йўндилар, ниҳоят, Эгамизнинг уйини қуриш
учун дарахт ва тошларни ҳозирлаб бўлдилар.

6–БОБ

Сулаймон Эгамизнинг уйини қуради

1 Исроил халқи Миср юртидан чиққанига 480 йил бўлганда, Сулаймон Исроил
тахтига ўтирганига тўрт йил бўлган эди*. У ўша йилнинг иккинчи ойида — Зив
ойида* Эгамизнинг уйини барпо қилишни бошлади. 2 Шоҳ Сулаймон Эгамиз учун
қураётган уйнинг узунлиги 60 тирсак*, эни 20 тирсак, баландлиги 30 тирсак эди.
3 Эгамиз уйининг асосий хонаси* олдида айвон бўлиб, айвоннинг узунлиги асосий
хонанинг эни билан бир ўлчовда — 20 тирсак, эни 10 тирсак эди. 4 Уйга
панжарали деразалар ҳам ясаттирди. 5 Уйнинг ташқаридаги деворининг ёнига ва
орқасига уч қаватли ён хоналар қурдирди. 6 Биринчи қаватнинг кенглиги 5
тирсак, иккинчи қаватнинг кенглиги 6 тирсак, учинчи қаватнинг кенглиги 7
тирсак эди. Сулаймон уйнинг деворларини, ён хоналарнинг ҳажмига мослаб,
зинапоя шаклида қурдирди. Шу сабабдан ён хоналар уйнинг деворига тақалмаган
эди.

7 Уй қурилиши учун тошлардан фойдаланилди. Тошлар коннинг ўзида йўниб
тайёрланди. Шу сабабдан уй қурилаётганда, на болға, на болта, на бирор темир
асбоб овози эшитилди.

8 Ўрта қаватдаги ён хонанинг эшиги уйнинг жануб томонида эди: айланма
зинапоя орқали ўрта қаватга, ўрта қаватдан эса учинчисига чиқиларди. 9 Шундай
қилиб, Сулаймон уйнинг деворларини қуриб битказди. Сўнг уйнинг томини садр
дарахтидан қилинган тўсинлар ва тахталар билан ёпди. 10 Уйнинг айланаси
бўйлаб қурилган ён хоналарнинг ҳар бир қаватининг баландлиги 5 тирсак эди.
Тўсинлар ён хоналар билан уйнинг деворини боғлаб турарди.

11 Эгамиз Сулаймонга шу сўзларни аён қилди:

12 — Мана, сен уйни қуряпсан. Агар Менинг фармонларимга кўра юрсанг,
қонун–қоидаларимга риоя этсанг, ҳамма амрларимга итоат қилсанг, ўшанда
отанг Довудга берган ваъдаларимни сен орқали бажараман. 13 Ҳар доим Исроил
халқи орасидан маскан қиламан, халқим Исроилни асло тарк этмайман.

14 Шундай қилиб, Сулаймон Худонинг уйини қуриб бўлди.

Эгамиз уйининг безаклари ҳақида батафсил маълумотлар

15 Сулаймон Эгамиз уйининг девори ичкарисини ердан шифтига қадар садр
ёғочидан қилинган тахта билан қоплатди. Полини сарв ёғочи тахтасидан қилди.
16 Ички хона уйнинг ичкарисига қурилган бўлиб, ердан шифтига қадар садр ёғочи
билан ажратилган эди. Бу хона Энг муқаддас хона деб аталди. Бу хонанинг бўйи
20 тирсак чиқарди. 17 Асосий хонанинг бўйи эса 40 тирсак бўлиб, бу хона Энг
муқаддас хонанинг олд томонида эди. 18 Уйнинг ичкариси садр тахталари билан
қопланиб, тахталарга қовоқ ва очилиб турган гуллар сурати шундай ўйилган
эдики, девор тошлари кўринмас эди.

19 Энг муқаддас хона Эгамизнинг Аҳд сандиғини қўйиш учун ҳозирланган эди.
20 Ўша хонанинг узунлиги ички тарафдан 20 тирсак, кенглиги 20 тирсак,
баландлиги ҳам 20 тирсак эди. Сулаймон бу хонани тоза олтин билан қоплатди.
Садр ёғочидан ясалган тутатқи қурбонгоҳини ҳам олтин билан қоплатди*.

21 Сулаймон уйнинг асосий хонасини ҳам олтин билан қоплатди. Олтин билан
қопланган Энг муқаддас хонанинг олд томонига олтин занжирлар торттирди.
22 Шундай қилиб, Сулаймон уйнинг ҳамма жойини бошдан охиригача олтин билан
қоплатди. Энг муқаддас хонанинг кираверишидаги тутатқи қурбонгоҳини ҳам
тамомила олтин билан қоплатди.
23 Сўнг Энг муқаддас хонага қўйиш учун зайтун дарахти ёғочидан иккита
каруб* ясаттирди. Карубларнинг баландлиги 10 тирсак эди. 24 Карубларнинг
қанотлари 5 тирсакдан эди. Қанотларнинг у учидан бу учигача ҳаммаси бўлиб 10
тирсак чиқарди. 25 Ҳар иккала карубнинг шакли, ҳажми бир эди. 26 Ҳар бир
карубнинг баландлиги 10 тирсак эди. 27 Сулаймон карубларни Энг муқаддас
хонага ёнма–ён қўйди. Карубларнинг қанотлари чўзилиб кетган, бирининг
қаноти бир деворга, иккинчисининг қаноти эса нариги деворга тегиб турарди.
Уйнинг ўртасида эса икковининг қанотлари бир–бирига туташарди. 28 Сулаймон
карубларни ҳам тоза олтин билан қоплатди.
29 Иккала хонанинг деворига гир айланаси бўйлаб карублар, пальма
дарахтлари, очилиб турган гулларнинг суратини ўйдирди. 30 Бу хоналарнинг
полини ҳам олтин билан қоплатди.
31 Энг муқаддас хонанинг кириш жойига зайтун ёғочидан икки тавақали эшик
ясаттирди. Эшикнинг кесакиси* беш қиррали эди. 32 Зайтун ёғочидан ясалган
икки тавақали эшикка карублар, пальма дарахтлари, очилиб турган гуллар
суратини ўйдирди, сўнг эшик устини, карублар ва пальма дарахтлари суратини
ҳам олтин билан қоплатди.
33 Асосий хонанинг кираверишидаги тўрт бурчакли кесакини зайтун ёғочидан,
34 иккита эшикни сарв дарахти ёғочидан ясади. Эшикларнинг ҳар бири икки
тавақали, йиғма эди. 35 Эшикларнинг юзасига ҳам карублар, пальма дарахти,
очилиб турган гуллар суратини ўйдириб, уларни олтин билан бир текис қилиб
қоплатди. 36 Ички ҳовли деворларининг уч қаторини тарошланган тошдан, бир
қаторини садр ёғочидан қилдирди.
37 Эгамиз уйининг пойдевори Сулаймон ҳукмронлигининг тўртинчи йилида,
айнан Зив ойида* қўйилиб, 38 ўн биринчи йилнинг саккизинчи ойида — Бул
ойида* лойиҳага биноан батамом, ҳамма икир–чикиригача қуриб битказилди.
Шундай қилиб, Сулаймон уйни етти йил давомида бунёд қилди.

7–БОБ

Сулаймоннинг саройи

1 Сулаймон ўзига ҳам сарой қурди. У ўз саройини ўн уч йилда қуриб битказди.
2 У дастлаб саройдаги “Лубнон ўрмони” деган уйни* қурди. Уйнинг узунлиги
100 тирсак*, кенглиги 50 тирсак, баландлиги 30 тирсак бўлиб, садр ёғочидан тўрт
қатор устун ўрнатилган, устунлар тепасига садр ёғочидан қилинган тўсинлар
ташланган эди. 3 Уйнинг томи садр ёғочи билан қопланган эди. Тўсинлар қирқ
бешта бўлиб, ҳар қаторда ўн бештадан эди. 4 Ён деворлардаги деразалар уч қатор
бўлиб, бир–бирига рўпарама–рўпара эди. 5 Ҳамма эшиклар ва эшиклар кесакиси*
тўрт бурчакли қилиб ясалган, ён деворларда учтадан эшик бўлиб, бир–бирига
рўпарама–рўпара эди.
6 Сулаймон саройнинг “Устунли кошона”сини ҳам қурди. Кошонанинг бўйи 50
тирсак, эни 30 тирсак эди. Кошонанинг олд томонида айвон қурдириб, устун
билан тиради. Айвоннинг томи ёпилган эди. 7 Яна саройнинг тахт турадиган
кошонасини қурдириб, тепасидан пастига қадар садр ёғочи билан қоплатди.

Сулаймон бу кошонада ўтириб, ҳукм чиқарарди.
8 Бу кошонанинг орқа томонидаги ҳовлида Сулаймон яшайдиган уй бор эди.
Бу уй ҳам айни шу тарзда қурилган эди. Сулаймон хотини — фиръавннинг қизи
учун ҳам худди шу кошона каби бир уй қуриб берди.
9 Бинолар пойдеворидан томигача мармар тошлардан қилинган эди. Мармар
тошларнинг олд ва орқа томони арралаб тарошланган, белгиланган ўлчовга кўра
тайёрланган эди. Ҳовлининг деворлари ҳам шу тарзда қурилган эди.
10 Пойдеворнинг мармар тошлари йирик, 8 тирсакли, 10 тирсакли эди. 11 Девори
ҳам мармар тошлардан қурилган эди. Тошлар белгиланган ўлчовга кўра,
тайёрланиб, тарошланган эди. Девор қурилишида садр ёғочидан ҳам
фойдаланилди. 12 Катта ҳовлининг чор атрофи девор билан ўралган бўлиб, уч
қатор тарошланган тош ва бир қатор садр ёғочидан қилинган эди. Эгамиз
уйининг ички ҳовлиси билан айвонининг деворлари ҳам шундай қилинган эди.

Уста Хуром

13 Шоҳ Сулаймон Тир шаҳридан Хуром деган бир одамни чақиртириб келди.
14 У Нафтали қабиласидан бир бева аёлнинг ўғли эди. Отаси Тир шаҳридан бўлиб,
мисгар ўтган эди. Хуром бор истеъдоди, маҳорати ва ақлини ишга солиб,
бронзадан турли буюмлар ясашни ўрганиб олган эди. У Сулаймон ҳузурига
келгач, ҳамма ишларни бажариб берди.

Бронзадан ясалган иккита устун

15 Хуром бронзадан иккита устун ясади, ҳар бир устуннинг баландлиги 18
тирсак, тевараги 12 тирсак чиқарди. 16 Бронзани эритиб яна иккита устунқош
ясади, бу устунқошлар устунларнинг тепасига қўйиш учун керак эди.
Устунқошларнинг баландлиги 5 тирсак эди. 17 Устунқошларнинг ҳар бири еттита
тўрсимон безаклару тўқилган занжирлар билан безатилган эди.
18 Устунқошларни қоплаш учун ҳар бир тўрсимон нақш атрофидан айланасига
икки қатор қилиб анор* тасвири солинган эди.
19 Ҳар бир устуннинг иккинчи устунқоши ҳам бор эди. Уларнинг баландлиги 4
тирсак бўлиб, лолагул шаклида эди. 20 Устунқошнинг бўртиқ жойларига тўрсимон
безаклар солинган бўлиб, безакларнинг тепаси ва пастига айлантириб, 200 та
анор тасвири солинган эди. 21 Хуром устунларни уйининг айвонига ўрнатди: жануб
томонига ўрнатилган устунга Ёхин* деб, шимол томонига ўрнатилган устунга
Бўаз* деб ном берди. 22 Устунларнинг тепаси лолагул шаклида эди. Шундай қилиб,
устунлар тайёр бўлди.

Бронзадан ясалган ҳовуз

23 Кейин Хуром бронзани эритиб думалоқ шаклда ҳовуз ясади. Ҳовузнинг бир
қирғоғидан нариги қирғоғигача 10 тирсак, баландлиги эса 5 тирсак эди. Айланаси
30 тирсак эди. 24 Ҳовузнинг ташқи томонида, қирғоғи остида айланасига икки
қатор қовоқсимон бўртиқ бор эди. Ҳар бир тирсак масофада ўнтадан шундай
шакл қилинган эди. Бронза эритилиб, ҳовуз ясалаётган пайтда, бу қовоқсимон
бўртиқлар ҳам қилинган эди. 25 Ҳовуз бронзадан ясалган ўн иккита буқа устига
ўрнаштирилган эди. Буқаларнинг учтаси шимолга, учтаси ғарбга, учтаси жанубга
ва учтаси шарққа қаратилган эди. Буқаларнинг орқа томони ҳовузнинг
ичкарисига қаратилган эди. 26 Ҳовузнинг қалинлиги тўрт энли бўлиб, четлари
косанинг четларига ўхшар, шакли лолагулга ўхшарди. Унга 4000 кўза* сув
сиғарди.

Бронзадан ясалган аравалар

27 Сўнг Хуром бронзадан ўнта арава ясади. Ҳар бир араванинг узунлиги ҳам,
кенглиги ҳам 4 тирсак, баландлиги эса 3 тирсак эди. 28 Араваларнинг тузилиши
қуйидагича эди: араваларнинг тўртала томонида бронзадан ясалган тўсиқлар
бўлиб, 29 бу тўсиқларга арслон, буқа ва карубларнинг сурати солинган эди. Ҳар
бир тўсиқнинг тўрт томонига бўртиқ шаклда гулчамбарлар ишланган эди. 30 Ҳар
бир араванинг тўртта бронза ғилдираги ва ўқлари бор эди. Араванинг ҳар
тўртала бурчагида ҳам тоғорани ушлаб турадиган тирговучлар бор эди. Ҳар бир
қуйма тирговучнинг ёнбошида гулчамбарлар ясалган эди. 31 Араванинг тепасида
думалоқ шаклда чамбарак бўлиб, аравадан бир тирсак юқори чиқиб турарди.
Чамбарак кўндалангига бир ярим тирсак эди. Чамбарак оғзи ҳам айланасига
суратлар билан безатилган эди. Араваларнинг тўсиқлари эса тўртбурчак шаклда
эди. 32 Араваларнинг тўртала ғилдираги ён тўсиқларнинг остида эди.
Ғилдиракларнинг ўқлари аравага маҳкамланган, ҳар бир ғилдиракнинг
баландлиги бир ярим тирсак эди. 33 Ғилдиракларнинг тузилиши жанг араваси
ғилдирагининг тузилишига ўхшарди: ғилдиракларнинг ўқлари, тўғини,
кегайлари, гупчаклари қуйма эди. 34 Ҳар бир араванинг тўрт бурчагида тўртта
кашак* бор эди. Кашаклар аравага маҳкамланган эди. 35 Араванинг юқорисидан
ярим тирсак баландликда думалоқ ҳалқа бор эди. Араванинг юқорисидан
тирговуч ва ён тўсиқлари бирга қўйилган эди. 36 Шундай қилиб, Хуром ҳар бир
тирговучнинг ва ён тўсиқларнинг юзасига карублар, арслонлар, пальма
дарахтлари ва гулчамбарлар суратини ўйди. 37 У ўнта араванинг ҳаммасини бир
хил шакл ва ҳажмда ясади.

38 Хуром ўнта араванинг устига қўйиш учун бронзадан ўнта тоғора ясади. Ҳар
бир тоғорага 80 кўза* сув сиғар эди. Ҳар бир тоғора кўндалангига 4 тирсак
чиқарди. Ҳар бир аравага биттадан тоғора эди. 39 Хуром араванинг бештасини
Эгамиз уйининг жануб томонига, бештасини шимол томонига қўйди. Ҳовуз
шаклини эса уйнинг жануби–шарқ томонига ўрнаштирди. 40 У қозонлар,
куракчалар ва тоғорачалар ҳам ясади.

Эгамиз уйи безакларининг рўйхати

Шундай қилиб, Хуром шоҳ Сулаймон учун Эгамизнинг уйига оид қуйидаги
ашёларни ясаб берди:

41 иккита устун,
устунларнинг тепасидаги иккита доира шаклидаги устунқош,
устунқошни ўраб турган иккита тўрсимон безак,
42 иккала безакнинг ёнларида тўрт юзта анор тасвири, яъни устунлар
тепасида доира шаклидаги иккита устунқошни қоплаб туриш учун ҳар
бир тўрсимон безакнинг иккала чеккасидаги анор суратлари,
43 ўнта арава, араванинг устидаги ўнта тоғора,
44 битта ҳовуз, ҳовуз остидаги ўн икки буқа шакли,
45 қозонлар, кураклар, тоғорачалар.

Хуром шоҳ Сулаймон учун Эгамизнинг уйига оид ана шу ашёларни сайқалланган
бронзадан ясаб берди. 46 Шоҳ бу нарсаларни Иордан водийси атрофларида —
Сухот ва Зоратон орасида лойдан ясалган қолипларда қуйдирди. 47 Буюмлар ғоят
кўплигидан Сулаймон бронзани ўлчамасдан ишлатаверди. Шунинг учун
ишлатилган бронзанинг ҳисоби аниқланмади.

48 Сулаймон Эгамизнинг уйи учун қуйидаги ҳамма буюмларни ҳам ясаттирди:

олтиндан ясалган тутатқи қурбонгоҳи,
устида муқаддас нонлар* турадиган олтин хонтахта,
49 ўнта тоза олтиндан ишланган чироқпоялар (бу чироқпоялар Энг
муқаддас хонанинг олдида бўлиб, бештаси жануб томонда, бештаси
шимол томонда турарди),
яна олтиндан гуллар, мойчироқлар, қисқичлар,
50 тоза олтиндан тоғоралар, қайчилар, тоғорачалар, куракчалар ва
оловкураклар,
Энг муқаддас хона эшигининг ошиқ–мошиғи, асосий хонанинг эшиклари
ошиқ–мошиғи.

51 Шундай қилиб, шоҳ Сулаймон Эгамизнинг уйига оид ҳамма ишларни
битирди. Сулаймон отаси Довуд назр қилган нарсаларни олиб келиб, кумуш,
олтин ва турли буюмларни Эгамизнинг уйи хазинасига қўйди.

8–БОБ

Аҳд сандиғи Эгамизнинг уйига келтирилади

1 Шундан сўнг Сулаймон Эгамизнинг Аҳд сандиғини Довуд қалъасидан* —
Сиондан Эгамизнинг уйига олиб келмоқчи бўлди. Шу мақсадда у Исроил
оқсоқолларини, ҳамма қабила йўлбошчиларини, Исроил халқи уруғбошиларини
Қуддус шаҳрига чақиртирди. 2 Уларнинг ҳаммаси еттинчи ойда — Етаним ойида*,
Чайла байрами* пайтида шоҳ Сулаймоннинг ҳузурига йиғилишди. 3 Исроил
оқсоқолларининг ҳаммаси келгач, руҳонийлар Сандиқни ердан кўтаришди.
4 Руҳонийлар ва левилар, Эгамизнинг Сандиғи билан бирга, Учрашув чодирини*,
Чодирдаги барча муқаддас буюмларни Эгамизнинг уйига олиб келишди. 5 Шоҳ
Сулаймон ва тўпланган бутун Исроил жамоаси Сандиқнинг олдида қўйлар,
буқалар сўйиб, қурбонлик қилишди. Қурбонлик қилинган қўй ва буқалар шу
қадар кўп эдики, ҳисобига етиб бўлмасди. 6 Руҳонийлар Эгамизнинг Аҳд
сандиғини алоҳида аталган жойга — Энг муқаддас хонага, карубларнинг
қанотлари остига қўйишди. 7 Карубларнинг қанотлари Сандиқ усти бўйлаб
чўзилган ва Сандиқ ҳамда унинг ходаларини беркитиб турарди. 8 Ходалар
шунчалик узун эдики, уларнинг учи Энг муқаддас хонанинг шундайгина олдидан
кўриниб турарди, бошқа жойдан эса кўринмасди. Ходалар бугунгача* ҳам ўша
ерда турибди.
9 Сандиқнинг ичида иккита тош лавҳадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Исроил
халқи Мисрдан чиққандан кейин, Эгамиз Синай тоғида* улар билан аҳд тузган
эди. Ўшанда Мусо бу тош лавҳаларни Сандиқ ичига солиб қўйган эди.
10 Руҳонийлар Муқаддас хонадан чиқаётганларида, Эгамизнинг уйи булут
билан тўлиб кетди. 11 Булут нур сочиб, кўзни қамаштирарди. Руҳонийлар
хизматни давом эттириш учун у ерга киролмай қолдилар, чунки уй Эгамизнинг
улуғворлиги билан тўлганди.
12 Шунда Сулаймон ибодат қилди:
— Эй Эгамиз! Сен, зимзиё зулматда маскан қиламан, деган эдинг. 13 Мана энди
Сенга ажойиб бир уй, абадий истиқомат қилишинг учун бир маскан барпо
қилдим.

Шоҳ Сулаймоннинг дуоси

14 Кейин шоҳ орқасига қайрилиб, тик турган жамики Исроил жамоасини дуо

қилди. 15 Шоҳ деди:

“Исроил халқининг Худоси — Эгамизга ҳамду санолар бўлсин. У отам
Довудга берган ваъдасини бажарди. 16 Эгамиз отамга шундай деган эди*:
«Халқим Исроилни Мисрдан олиб чиққан кунимдан бери Мен
улуғланадиган уйни барпо қилиш учун Исроил қабилаларининг бирорта
шаҳрини танламадим. Мен сени, эй Довуд, халқим Исроил устидан ҳукмдор
бўлгин деб танладим.»
17 Исроил халқининг Худоси — Эгамизга атаб бир уй барпо қилмоқ отам
Довуднинг нияти эди. 18 Лекин Эгамиз отам Довудга шундай деб айтди:
«Модомики, Менга атаб бир уй барпо қилмоқни кўнглингга туккан
экансан, яхши қилибсан. 19 Бироқ Менга атаб ўша уйни сен эмас, балки
сенинг пушти камарингдан бино бўладиган ўғлинг барпо қилади.»
20 Эгамиз ваъда берган эди, бажо айлади: отам Довуднинг ўрнига тахтга
мен чиқдим, Эгамиз ваъда этганидай, Исроил тахтига ўтирдим, Исроил
халқининг Худоси — Эгамизга атаб бир уй барпо қилдим. 21 Ўша уйда Аҳд
сандиғи учун ҳам жой тайёрладим. Эгамиз ота–боболаримизни Миср
юртидан олиб чиққандан кейин, улар билан қилган аҳд лавҳаси шу
Сандиқнинг ичида турибди.”

Сулаймоннинг ибодати

22 Сулаймон Эгамизнинг қурбонгоҳи олдида, Исроил жамоаси рўпарасида
қўлларини кўкка чўзганича деди:

23 “Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз! Ер юзида ҳам, осмону
фалакда ҳам Сенга ўхшаши йўқ! Сенга бутун қалби билан боғланиб, Сен
кўрсатган йўлдан юрадиган қулларингга Ўзинг аҳдингни содиқ сақлайсан.
24 Қулинг — отам Довудга Сен Ўз оғзинг билан берган ваъдаларингни
бугун Ўз қўлинг билан бажо айладинг.
25 Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз! Ўзингнинг қулингга — отам
Довудга: «Болаларинг ҳам сенга ўхшаб олдимда ўйлаб қадамини боссалар,
сенинг наслингдан бўлган эркак зоти то абад Исроил тахтида ўтиради»,
деб ваъда берган эдинг. Энди берган ваъдангни адо эт! 26 Эй Исроил
халқининг Худоси! Қулингга — отам Довудга айтганларинг амалга ошсин,
деб илтижо қиламан.
27 Эй Худо, Сен ер юзида яшармидинг?! Сен осмонга, ҳатто фалак тоқига
ҳам сиғмассан. Фалак тоқи олдида мен қурган уй нима бўлибди?! 28 Эй Эгам
Худо, бугун илтижо билан қилган ибодатимни қабул эт! Сенга ёлвориб
қилаётган илтижоларимга жавоб бер. 29 Сен: «Мен ўша ерда улуғланай»,
деб айтган эдинг. Кўзларинг кечаю кундуз ўша жойга — ўша уйга қадалиб
турсин. Мен, қулинг, ўша томонга қараб ибодат қиламан, ибодатларимни
тингла. 30 Исроил халқи билан бирга ўша томонга қараб қилган
илтижоларимизга қулоқ тут. Самолардан — Ўз маконингдан туриб қулоқ
сол, эшитгин–у, гуноҳимиздан ўт.
31 Кимдир гуноҳкорликда айбланса, ўша одам келиб, шу уйингдаги
қурбонгоҳинг олдида, айбсизман, деб онт ичса, 32 эй Эгам, самодан туриб
қулоқ сол, қулларингни Ўзинг ҳукм эт. Гуноҳкорнинг қилмишини бўйнига
қўй, жазосини бер. Гуноҳсизнинг эса ҳақлигини кўрсат, ҳақ бўлгани учун
уни озод қил.
33 Халқинг Исроил Сенинг олдингда гуноҳ қилгани учун ёвга мағлуб

бўлса, яна қайтиб Сени тан олса, ўша уйда Сенга ёлвориб илтижо қилса,
34 Сен самодан туриб, уларнинг илтижоларига қулоқ сол, гуноҳларидан ўт.
Оталарига Ўзинг томондан берилган юртга уларни қайтар.
35 Улар Сенга қарши гуноҳ қилганлари учун осмон беркилиб, ёмғир
ёғмаганда, улар ўша уйга қараб, Сени яна тан олиб илтижо қилсалар, Сен
уларни гуноҳлари учун жазолаганингда, тавба қилсалар, 36 қулларинг
Исроил халқига самодан туриб қулоқ сол, уларнинг гуноҳидан ўт. Уларга
тўғри йўл кўрсат, токи ўша йўлдан юрсинлар, кейин халқингга мулк қилиб
берган ерга ёмғир ёғдир.
37 Юртда очарчилик ё ўлат пайдо бўлса, гармсел*, занг касали,
чигиртка*, қурт–қумурсқа босса ёки халқингни ёвлар қамал қилса, ёхуд
кулфат, хасталик уларнинг бошига келса, 38 ҳар қандай инсон ёки халқинг
Исроил Сенга ёлвориб ибодат қилса, ҳар ким ўз юрагидаги дардини айтиб,
бу уй томонга қўлларини чўзса, 39-40 Сен осмондан — масканингдан туриб
қулоқ сол ва уларнинг гуноҳидан ўт. Ҳар бирининг тутган йўлига қара,
хизматига яраша бер, токи Сен Ўзинг ота–боболаримизга берган юртда
умрларининг охиригача Сендан қўрқиб яшасинлар. Зотан, жамики инсон
боласининг кўнглидагини ёлғиз Сен биласан, холос.
41 Халқинг Исроилдан бўлмаган бегона одам Сени деб узоқ юртдан
келиб, 42 Сенинг шуҳратинг, қудратинг ва ажойиботларинг ҳақида эшитиб,
ўша уйга қараб ибодат қилса, 43 Сен маконингдан туриб қулоқ сол. Ўша
одамнинг сўраганини бажо айла, токи ер юзидаги ҳамма халқлар Сени
билсин, халқинг Исроил каби, Сендан ҳайиқадиган бўлсин. Мен барпо
қилган шу уй Сенга атаб қилинганини билсин.
44 Сен халқингни ғанимларига қарши жанг қилишга юборганингда, улар
Ўзинг танлаб олган бу шаҳарга, Сенга атаб мен қурган уйга юз буриб,
ибодат қилсалар, 45 осмондан туриб уларнинг илтижоларини эшит, бажо
айла.
46 Сенинг олдингда улар гуноҳ қилганларида, чунки гуноҳ қилмайдиган
одамнинг ўзи йўқ, Сен ғазабланиб, уларни яқин ёки узоқ юртларга асир
қилиб олиб кетадиган душманларнинг қўлига берганингда, 47 улар
ғанимлари юртида асирликда юриб, эсини йиғиб олгач: «Гуноҳ қилдик,
шаккоклик қилдик, айбдормиз», деб тавба қилиб, Сенга ёлворсалар,
48 ғанимлар юртида бутун қалби билан, жону дили билан Сенга қайтсалар,
Ўзинг ота–боболарига берган юртга, Ўзинг танлаб олган шаҳарга, Сенга
атаб мен қурган уйга юз буриб, Ўзингга ибодат қилсалар, 49 самодан —
маконингдан туриб уларнинг қилган илтижоларини эшит, бажо айла.
50 Халқинг Сенга қарши қанча гуноҳ қилган бўлмасин, Сенга қарши
қанчалик исён қилган бўлмасин, уларни кечир. Халқингни асир этган ёв
кўнглида шафқат қўзғатгин, токи улар халқингга меҳрибонлик қилсин.
51 Ахир, Исроил Сенинг халқинг, Сенинг улушингдир. Уларни Мисрдан —
темир ўчоқ ичидан Ўзинг олиб чиққансан.
52 Халқинг Сенга доимо илтижо қилганда, мен, қулингнинг
илтижоларини, халқинг илтижоларини эшитиб, уларга доимо назарингни
солиб марҳамат қилгин. 53 Зотан, ота–боболаримизни Мисрдан олиб
чиққанингда, қулинг Мусо орқали айтганингдай, уларни Ўзингнинг
улушинг қилиб, дунёдаги ҳамма халқдан ажратиб олдинг, эй Эгамиз
Раббий!”

Сулаймоннинг сўнгги дуоси

54 Сулаймон Эгамизнинг қурбонгоҳи олдида тиз чўкиб, қўлларини кўкка чўзиб,
ибодат қилиб бўлгандан кейин, ўрнидан турди. 55 Сулаймон тик турганича баланд
овоз билан Исроил жамоасини дуо қилди:

56 “Эгамизга ҳамду санолар бўлсин! У ваъдасига кўра, Ўзининг халқи
Исроилга тинчлик–омонлик берди. У қули Мусо орқали яхши ваъдалар
берган эди, ўша ваъдаларнинг биронтаси ҳам бажарилмай қолмади.
57 Эгамиз Худо ота–боболаримиз билан бўлганидай, биз билан ҳам бўлсин,
бизни тарк этмасин, ташлаб кетмасин. 58 Эгамизнинг йўлидан юрмоқ учун,
ота–боболаримизга буюрган амр, фармон ва қонун–қоидаларга риоя
этмоғимиз учун кўнглимизни Ўзига ром қилсин. 59 Эгамизнинг олдида
илтижо қиларканман, шу илтижоларимга У қулоқ тутиб, бу қулининг ва
Ўзининг халқи Исроилнинг кундалик эҳтиёжларини бажо айласин, 60 токи
дунёдаги жамики қавмлар Эгамиз — Худо эканини билиб қўйсин. Ундан
бошқаси йўқ. 61 Ҳозиргидай, Унинг фармонлари бўйича юрмоқ учун,
амрларига риоя этмоқ учун чин юракдан Эгамиз Худога боғланинглар.”

Сулаймон қурбонликлар келтиради

62 Шундан кейин шоҳ ва бутун Исроил халқи Эгамизга атаб қурбонлик
қилдилар. 63 Сулаймон 22.000 буқани, 120.000 қўйни Эгамизга атаб тинчлик
қурбонлиги қилди. Шу тариқа шоҳ ва бутун Исроил халқи Маъбадни Эгамизга
бағишладилар. 64 Шу куни шоҳ Эгамизнинг уйи олдидаги ҳовли ўртасини ҳам
муқаддас қилди. Сўнг ўша ерда куйдириладиган қурбонликлар, дон назрлари ва
тинчлик қурбонликларининг ёғини назр қилди, чунки буларнинг ҳаммаси
Эгамизнинг ҳузуридаги бронза қурбонгоҳ устига сиғмаган эди. 65 Кейин Сулаймон
ва у билан бирга катта жамоа — Лево–Хоматдан* тортиб, Миср чегарасидаги
ирмоққа* қадар ерларда яшайдиган бутун Исроил халқи Эгамиз Худо олдида
Чайла байрамини* нишонлашди. Байрам ўн тўрт кун давом этди. Улар етти кун
қурбонгоҳнинг Худога бағишланишини нишонлашди, етти кун Чайла байрамини
қилишди. 66 Чайла байрамидан кейин* Сулаймон халққа рухсат берди, халқ шоҳни
дуо қилди. Шундан кейин Эгамиз Ўз қули Довудга ва Исроил халқига кўрсатган
мурувватти туфайли ҳамманинг кўнгли шодликка тўлиб, уйларига қайтиб
кетдилар.

9–БОБ

Эгамиз яна Сулаймонга зоҳир бўлади

1 Сулаймон Эгамизнинг уйини ҳам, ўзининг саройини ҳам қуриб бўлди.
Мўлжалланган ҳамма юмушларни тамом қилди. 2 Шундан кейин Эгамиз
Сулаймонга, илгари Гивонда зоҳир бўлганидай*, яна зоҳир бўлди. 3 Эгамиз унга
шу сўзларини аён қилди:

“Менга қилган илтижоларингни эшитдим. Сен қурган ва Ўзим
улуғланадиган уйни муқаддас қилдим. Кўзларим, кўнглим доимо ўша ерда
бўлади.
4 Сен ҳам Менинг олдимда, отанг Довуд каби, софдил ва тўғри бўлиб
юрсанг, Мен амр этган ҳамма фармонларимни ижро этсанг,
қонун–қоидаларимни маҳкам тутсанг, 5 Исроил устидан шоҳлик тахтингни
абадий мустаҳкам қиламан. Отанг Довудга ҳам: «Сенинг наслингдан бўлган

эркак зоти то абад Исроил тахтида ўтиради», деб ваъда берган эдим*.
6 Борди–ю, сен ҳам, сенинг наслинг ҳам Мен кўрсатган йўлдан
қайтсангиз, сизларга берган амр ва фармонларимга риоя қилмасангиз,
бориб бошқа худоларга хизмат қилсангиз, уларга топинсангиз, 7 Исроил
халқини Ўзим берган юртдан улоқтириб ташлайман. Мен муқаддас қилган,
Ўзим улуғланадиган уйни тарк этаман. Ана ўшанда Исроил халқи
ҳамманинг оғзида дув–дув гап бўлади, ҳамма халқлар уларни масхара
қилади. 8 Ҳозир ажойиб бўлиб турган уйнинг ёнидан ўтганлар бунинг
аянчли аҳволини кўрганда, даҳшатга тушиб: «Нимага уларнинг Эгаси бу
юртни ва бу уйни мана шу аҳволга солди экан–а?» деб қотиб қолади. 9 Сўнг
яна ўзлари шундай хулоса чиқарадилар: «Эҳа, улар ота–боболарини Миср
юртидан олиб чиққан ўзларининг Эгаси Худодан юз ўгирдилар–ку! Бошқа
худоларга эргашиб, ўша худоларга топиниб, хизмат қилдилар–ку!
Қилмишларига яраша ўзларининг Эгаси уларнинг бошига шу
кўргиликларни солибди–да.»”

Сулаймоннинг шоҳ Хирам билан тузган битими

10 Сулаймон иккала уйни — Эгамизнинг уйини ва ўз саройини йигирма йилда
битирган эди. 11 Тир шоҳи Хирам Сулаймоннинг эҳтиёжига кўра, садр ёғочи, сарв
ёғочи, олтин етказиб берган эди. Шоҳ Сулаймон Хирамга бу хизматлари учун
Жалила ҳудудидаги йигирмата шаҳарни берди. 12 Хирам: “Сулаймон берган
шаҳарларни кўрай–чи”, деб Тирдан йўлга чиқди, лекин у шаҳарлар Хирамга
маъқул келмади.
13 — Дўстим, менга берган шаҳарларинг бори–йўғи шуми?! — деди Хирам
Сулаймонга. Хирам ўша ерларга Кавул* деб ном берди ва бугунга қадар шу ном
билан юритилади. 14 Хирам эса шоҳ Сулаймонга 250 пуд* олтин юборган эди.

Сулаймоннинг ютуқлари

15 Шоҳ Сулаймон мажбурлаб олган қарорларни чақиртириб, Эгамизнинг
уйини, ўзининг саройини барпо эттирган эди. Шунингдек, Қуддуснинг шарқ
томонидаги Миллони* мустаҳкам қилдирган ва шаҳар деворини қурдирган эди.
Хазор, Магидў ва Гезер шаҳарларини мустаҳкамлаган эди. 16 Миср фиръавни
Гезерга бостириб келиб, шаҳарни қўлга олган ва ўт қўйганди. Шу ерда истиқомат
қилаётган Канъон аҳолисини қириб ташлаб, шаҳарни ўзининг қизи —
Сулаймоннинг хотинига сеп қилиб берганди. 17 Шундан сўнг Сулаймон Гезер
шаҳрини, Пастки Байт–Хўронни, 18 Баалатни, Яҳудонинг чўлидаги Тамарни*,
19 ўзининг ҳамма омбор шаҳарларини, жанг аравалари сақланадиган шаҳарларни,
отлиқлари турадиган шаҳарларини қайтадан тузатиб мустаҳкамлади. Бундан
ташқари, Қуддусда, Лубнонда, шоҳликнинг ҳамма бурчакларида нима истаса,
барпо қилди.
20 Шу ўлкада қолиб кетган Амор, Париз, Хив, Хет ва Ёбус халқлари Исроил
халқидан эмасди. 21 Исроил халқи уларнинг бу юртда қолиб кетган авлодларини
тамомила қириб битиролмаган эди. Сулаймон ўша қолиб кетганларини қарол
қилиб олди. Улар бугунгача* бор. 22 Лекин Сулаймон Исроил халқидан
бирортасини қул қилмади. Аксинча, уларни шоҳнинг сипоҳлари, аъёнлари,
акобирлари*, лашкарбошилари, жанг араваларининг қўмондонлари ва
сувориларининг қўмондонлари лавозимига тайинлади.
23 Сулаймоннинг ишбошилари 550 киши бўлиб, улар ишлаётган одамлар
устидан назоратчи эдилар.
24 Фиръавннинг қизи Довуд қалъасидан ўзига аталган саройга кўчиб ўтди. Бу

саройни Сулаймон унга атаб барпо қилган эди. Шундан кейин Сулаймон Қуддуснинг шарқ томонидаги Миллони* мустаҳкам қилдирганди.
25 Хуллас, Сулаймон Эгамизнинг уйини битказди. У Эгамизга атаб қурган
қурбонгоҳда йилига уч марта куйдириладиган қурбонликлар ва тинчлик
қурбонликлари қилар, тутатқи тутатарди.
26 Шоҳ Сулаймон Эдом юртида, Қизил денгиз* бўйидаги Элет шаҳри ёнида
жойлашган Эзйўн–Гебер шаҳрида кемалар ясади. 27 Хирам ўз тажрибали
денгизчиларини Сулаймоннинг одамлари билан бирга кемаларда жўнатди.
28 Улар Офир юртига* бориб, у ердан 900 пуд* олтин олиб, шоҳ Сулаймонга
келтириб бердилар.

10–БОБ

Шава маликасининг ташрифи

1 Шава* маликаси Сулаймоннинг донғини, Эгамизга атаб қилган ишларини
эшитгач, Сулаймоннинг ҳузурига келди. У Сулаймонга топишмоқлар айтиб синаб
кўрмоқчи эди. 2 Малика Қуддусга жуда кўп миқдорда олтин ва қимматбаҳо
тошлар, хушбўй зираворлар юкланган катта карвонни бошлаб келди.
Малика Сулаймоннинг ҳузурига киргач, кўнглида нима бўлса, ҳаммасини унга
айтди. 3 Сулаймон маликанинг ҳамма саволларига жавоб берди, маликанинг
бирорта саволига жавоб беришда қийналмади. 4 Шава маликаси Сулаймоннинг
донолигини, у қурган саройни, 5 дастурхонидаги ноз–неъматларни,
хизматкорларининг яшаш шароитларини, шоҳ соқийларию* баковулларини*
ҳамда уларнинг хизмат либосларини, Эгамизнинг уйида шоҳ Сулаймон куйдириб,
назр қилган қурбонликларни кўрди. Малика ғоят ҳайратланиб, 6 шоҳга деди:
— Сизнинг ишларингиз, донолигингиз ҳақида юртимда эшитганларим тўғри
экан. 7 Келиб ўз кўзларим билан кўрмагунимча, гап–сўзларга ишонмаган эдим.
Менга ҳатто ярмини ҳам айтишмаган экан. Мен эшитгандан ҳам кўра, донороқ
экансиз, бойлигингиз ҳам жуда кўп экан. 8 Нақадар бахтиёрдир одамларингиз!
Омадлидир хизматкорларингиз! Улар доимо ҳузурингизда бўлиб,
донолигингиздан баҳра олишар. 9 Сиздан мамнун бўлиб, Исроил тахти узра
ўтқазган Эгангиз Худога ҳамду санолар бўлсин. У Исроилни то абад севгани учун
адолат ва тўғрилик билан ҳукм этсин деб, сизни шоҳ қилган экан.
10 Малика Сулаймонга 250 пуд* олтин, беҳисоб хушбўй зираворлар,
қимматбаҳо тошлар ҳадя қилди. Ҳеч ким шоҳ Сулаймонга олдин ҳам, кейин ҳам
Шава маликаси берганчалик хушбўй зираворлар ҳадя қилмаган эди.
11 Хирамнинг Офирдан олтин олиб келган кемалари жуда кўп сандал дарахти
ёғочлари ва қимматбаҳо тошлар ҳам келтирганди. 12 Шоҳ ўша ёғочлардан
Эгамизнинг уйи учун ҳам, шоҳ саройи учун ҳам жиҳозлар, мусиқачилар учун лира
ва арфалар ясаттирганди. Бугунгача бунақа сандал дарахти ёғочлари
келтирилмаган ва ҳеч ким кўрмаган эди.
13 Шоҳ Сулаймон Шава маликасига истаганини ва сўраганининг ҳаммасини
муҳайё қилди. Бундан ташқари, маликага кўнгилдан чиқариб ҳадялар инъом
этди. Шундан кейин малика ҳамма одамларини эргаштириб, ўз юртига жўнаб
кетди.

Шоҳ Сулаймоннинг бойлиги

14 Ҳар йили Сулаймонга келиб турадиган олтиннинг оғирлиги 1425 пуд* эди.
15 Одамларнинг олди–сотдисидан, савдогарлар тижоратидан олинадиган солиқ ва
бутун Араб шоҳларидан, Исроилдаги вилоят ҳокимларидан олинадиган ўлпон

бунга кирмасди.
16 Шоҳ Сулаймон олтиндан икки юзта катта қалқон ясаттирди. Ҳар бир
қалқонни ясашга ярим пуд* олтин сарф бўлди. 17 Яна олтиндан уч юзта кичик
қалқон ҳам ясаттирди. Ҳар бир қалқон учун 400 мисқол* олтин сарф бўлди. Шоҳ
бу қалқонларни “Лубнон ўрмони” деган уйига* қўйди.
18 У яна фил суягидан катта тахт ясатиб, уни тоза олтин билан қоплатди.
19 Тахтнинг олтита поғонаси бўлиб, суянчиғининг юқориси орқага қайрилган,
ўриндиғининг икки томонида тирсаги бор эди. Тирсакларнинг ёнида иккита шер
тасвири тураради. 20 Ҳар бир поғонанинг икки чеккасида ҳам биттадан шер
тасвири бўлиб, тахтнинг олти поғонасида жами ўн иккита шер тасвири бор эди.
Бундай тахт бошқа бирорта шоҳликда бўлмаган эди.
21 Шоҳ Сулаймоннинг ичимлик ичадиган ҳамма идишлари олтиндан, “Лубнон
ўрмони” деган уйидаги ҳамма идишлар ҳам тоза олтиндан бўлиб, бирорта ҳам
буюм кумушдан ясалмаган эди. Сулаймон даврида кумуш арзимас нарса бўлиб
қолганди. 22 Денгизда, Хирамнинг кемалари қаторида, Сулаймоннинг ҳам савдо
кемалари бўлиб, бу кемалар ҳар уч йилда олтин, кумуш, фил суяги, турли–туман
маймунлар* олиб қайтарди. 23 Шундай қилиб, Сулаймон бойликда ҳам, доноликда
ҳам ер юзидаги ҳамма шоҳлардан ўтиб кетди. 24 Сулаймонга Худо берган
доноликни эшитмоқ учун бутун дунё унинг олдига келгани ошиқарди.
25 Келганларнинг ҳар бири кумуш ва олтин идишлар, кийим, қурол–аслаҳа,
хушбўй зираворлар, от ва хачирлар ҳадя қилиб олиб келар эди. Бундай ҳол
йиллаб давом этарди.
26 Сулаймон жанг аравалари ва отларни тўплади. Унинг 1400 та жанг араваси
ва 12.000 та оти бор эди. Сулаймон буларнинг бир қисмини жанг аравалари
сақланадиган шаҳарларга ва бир қисмини Қуддусга — ўзининг ёнига
жойлаштирди. 27 Унинг ҳукмронлиги даврида Қуддусда кумуш кўчадаги тошдай
кўп эди. Садр ёғочлари ҳам худди Яҳудо қир этакларида ўсадиган оддий
шикамора–анжир дарахтидай* сероб эди. 28 Шоҳнинг савдогарлари Мисрдан* ва
Қуведан Сулаймон учун отлар олиб келишарди. Улар отларни Қуведан сотиб
олишарди. 29 Мисрдан келтирилган ҳар бир жанг араваси учун 600 кумуш танга*,
ҳар бир от учун 150 кумуш танга* тўлашарди. Сўнг буларни барча Хет шоҳларига
ва Орам шоҳларига сотишарди.

11–БОБ

Сулаймон Худодан юз ўгиради

1 Шоҳ Сулаймон фиръавннинг қизидан бошқа яна Мўаблик, Оммонлик,
Эдомлик, Сидонлик ва Хет халқидан кўпгина ажнабий аёлларга кўнгил қўйди.
2 Эгамиз Исроил халқига бу халқлар ҳақида гапириб, шундай деган эди: “Уларга
қиз берманглар ҳам, қиз олманглар ҳам. Акс ҳолда, улар кўнглингизни ўз
худоларига ром қилиб қўядилар.” Сулаймон эса ўша аёлларга шаҳват билан
ёпишди. 3 Унинг етти юзта хотини шоҳлар қизларидан бўлиб, уч юзта канизаги*
ҳам бор эди. Хотинлари сабабли шоҳ бегона худоларга юз бурди. 4 Охири шундай
бўлдики, кексайган чоғида шоҳнинг кўнгли хотинлари туфайли бегона худоларга
мойил бўлди. Довуд ўзининг Эгаси Худога чин юракдан боғланган эди, Сулаймон
эса отасига ўхшамади. 5 Шундай қилиб, Сулаймон Сидон аҳолисининг худоси
Аштарет, Оммон халқининг макруҳ худоси Мўлахга* сажда қила бошлади.
6 Сулаймон Эгамиз олдида қабиҳликлар қилди. Отаси Довуд Эгамизга содиқ
қолган бўлса, Сулаймон ундай қилмади. 7 Қуддуснинг шарқидаги тепаликда Мўаб

халқининг макруҳ худоси Хамўшга ва Оммон халқининг макруҳ худоси Мўлахга саждагоҳ қурди. 8 Ҳамма ажнабий хотинлари ўз худоларига тутатқи тутатиб, қурбонликлар келтиришлари учун шундай қилди.

9-10 Исроил халқининг Худоси — Эгамиз икки марта Сулаймонга зоҳир бўлган эди. Шунга қарамай Сулаймон Эгамиздан юз ўгирди. Эгамизнинг, бегона худоларга эргашма деган амрини бажо қилмади. Шунинг учун Эгамиз Сулаймондан қаттиқ ғазабланди. 11 Эгамиз Сулаймонга деди:

— Модомики, Сен билан қилган аҳдимни ва сенга амр қилган фармонларимни била туриб бажармаган экансан, Мен энди шоҳликни сендан тортиб оламан ва тобе одамларингдан бирига бераман. 12 Лекин отанг Довуднинг ҳақи–ҳурмати учун бу ишни сен ҳаётлигингда қилмайман. Шоҳликни ўғлингнинг қўлидан тортиб оламан. 13 Шунда ҳам шоҳликнинг ҳаммасини тортиб олмайман, қулим Довуднинг ҳақи–ҳурмати учун, Ўзим танлаб олган Қуддус ҳақи–ҳурмати учун битта қабилани* сенинг ўғлингга қолдираман.

Сулаймоннинг душманлари

14 Эгамиз Сулаймонга Эдомлик Ҳададни душман қилиб қўйди. У Эдом шоҳлари наслидан эди. 15 Анча олдин Довуд Эдомликлар билан уруш қилган эди. Ўша жангда Исроил халқидан ҳалок бўлганларни дафн қилиш учун лашкарбоши Йўаб Эдомга борди. 16 Исроил лашкари ва Йўаб Эдомдаги эркак зотини битта қўймай қириб ташлагунга қадар, олти ой у ерда қолган эдилар. 17 Шунда Ҳададга ва унинг отасига хизмат қилган баъзи Эдомликлар Мисрга қочиб кетишган эди. Ўша пайтда Ҳадад кичкина бола эди. 18 Улар Мидиёндан жўнаб, Поронга етиб келишди. Порондан ҳам одамлар уларга қўшилдилар. Кейин Мисрга — Миср шоҳи фиръавн ҳузурига етиб келишди. Фиръавн Ҳададга уй берди, озиқ–овқат тайин этди, ер берди. 19 Ҳадад фиръавннинг ҳурматини қозонди. Фиръавн Ҳададга қайинсинглисини — малика Тахпанаснинг синглисини никоҳлаб берди. 20 Хотини Ҳададга ўғли Гануватни туғиб берди. Тахпанас болани фиръавн хонадонида тарбия қила бошлади. Гануват фиръавн хонадонида унинг ўғиллари қаторида улғайди. 21 Ҳадад Мисрда: “Довуд оламдан ўтибди, лашкарбоши Йўаб ҳам вафот этибди” деган хабарни эшитгач, фиръавнга деди:

— Менга ижозат берсалар, ўз юртимга кетсам.

22 — Юртимга кетаман, дейсан, нима, менинг ёнимда бирор нарсага муҳтожлик сезяпсанми? — деб сўради фиръавн.

— Йўқ, асло, лекин барибир, менга ижозат берсалар, — деб туриб олди Ҳадад.

23 Худо Разўнни ҳам Сулаймонга душман қилиб қўйди. Разўн Элёдах деганнинг ўғли эди. Разўн ўз хўжайини, Зўво шоҳи Ҳададзарнинг дастидан қочиб кетган эди. 24 Довуд Зўволикларни қиргач*, Разўн ҳам атрофига бир босқинчи гуруҳни тўплаб, ўша гуруҳга бош бўлди. Сўнг улар Дамашққа бориб, у ерда жойлашдилар. Дамашқда ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар. 25 У ҳам Сулаймон ҳаёт пайтида Исроилга душман бўлиб қолди. Разўн Орамда шоҳ бўлиб турар экан, Ҳадад каби, Исроилга нафрат билан қараб, доимо душманлик қилиб келди.

Еробом Сулаймонга қарши исён кўтаради

26 Яна Сулаймоннинг аъёнларидан бири — Эфрайим қабиласидан бўлган Еробом дегани ҳам шоҳга қарши бош кўтарди. У Заридо шаҳридан* Набат деганнинг ўғли эди. Еробомнинг онаси бева аёл бўлиб, оти Зарува эди. 27 Еробом Сулаймонга қарши бош кўтарганининг сабаби қуйидагича эди: Сулаймон Қуддуснинг шарқ томонидаги Миллони* мустаҳкамлаб, отаси Довуд қалъасининг деворларини тузаттираётганда, 28 қурилишда ғайрат билан ишлаётган Еробомга

назари тушди. Ерибом жуда ҳам қобилиятли йигит бўлгани учун Сулаймон уни Юсуф қабиласидан олинган* барча қаролларга назоратчи қилиб қўйди.

29 Бир куни Ерибом Қуддусдан ташқарига чиққан эди, Шилўлик Охиё
пайғамбар билан йўлда учрашиб қолди. Охиё пайғамбар янги кийимлар кийиб
олган экан. У ерда икковидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. 30 Шу пайт Охиё устидаги
янги кийимларини ечди–ю, йиртиб ўн икки бўлакка бўлиб ташлади. 31 Кейин
Ерибомга деди:

— Ўзингга ўн бўлагини ол. Исроил халқининг Худоси — Эгамиз ҳам шундай
айтмоқда: “Мен Сулаймоннинг қўлидан шоҳликни тортиб оламан ва ўнта
қабилани* сенга бераман. 32 Қулим Довуднинг ҳақи–ҳурмати учун, Исроилнинг
ҳамма қабилалари орасидан Ўзим танлаб олган Қуддус шаҳри ҳақи–ҳурмати учун
битта қабила* Сулаймонники бўлади. 33 Сулаймон* Мендан юз ўгириб, Сидоннинг
худоси Аштаретга, Мўабнинг худоси Хамўшга, Оммоннинг худоси Мўлахга сажда
қила бошлади. Отаси Довудга ўхшамади, олдимда тўғри ишлар қилмади,
фармонларимга ва қонун–қоидаларимга риоя қилмади, йўлларимдан юрмади.
34 Аммо шоҳликни ундан тамомила тортиб олмайман. Амр ва фармонларимга
риоя қилган ва ўзим танлаб олган қулим Довуднинг ҳақи–ҳурмати учун
Сулаймонни умрининг охиригача шоҳ қиламан. 35 Шоҳликни эса унинг ўғлидан
тортиб олиб, ўнта қабилани сенга бераман. 36 Мен ўша ерда улуғланай деб, Ўзим
учун Қуддус шаҳрини танлаганман. Қулим Довуднинг чироғи Қуддусда ҳеч қачон
ўчмасин деб, Сулаймоннинг ўғлига битта қабилани бераман. 37 Мен сени Исроил*
шоҳи қиламан, кўнглинг қаерни истаса, ўша ерда шоҳлик қилаверасан. 38 Агар
қулим Довудга ўхшаб айтганларимга итоат қилсанг — йўлларимдан юрсанг,
олдимда тўғри ишлар қилсанг, фармон ва амрларимга риоя қилсанг, Мен сен
билан бўламан. Исроилни сенга бериб, Довудга қилганимдай, хонадонинг
ҳукмронлигини ўзингдан кейин ҳам давом эттираман. 39 Сулаймоннинг шу
қилмишлари эвазига Довуднинг наслини таҳқирлайман, лекин то абад эмас.”

40 Сулаймон Ерибомни ўлдирмоқчи бўлди. Ерибом эса Мисрга — Миср шоҳи
Шишахнинг ёнига қочиб кетди. У Сулаймон вафот этгунча Мисрда қолди.

Сулаймоннинг ўлими

41 Сулаймоннинг бошқа ишлари, бутун фаолияти, унинг донишмандлиги
ҳақида “Сулаймоннинг ишлари” китобида ёзиб қолдирилган. 42 Сулаймон
Қуддусда бутун Исроил устидан ҳукмдор эди. Унинг ҳукмронлиги қирқ йил давом
этди. 43 Сулаймон оламдан ўтди. У отаси Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига
дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Рахабом шоҳ бўлди.

12–БОБ

Шимолдаги қабилалар исён кўтаришади

1 Рахабом Шакам шаҳрига* кетди. Жамики Исроил* халқи ҳам, Рахабомни шоҳ
қилиб кўтарамиз деб, Шакамга келишди. 2 Набат ўғли Ерибом бу ҳақда эшитиб,
Мисрдан қайтди*. У Сулаймоннинг дастидан Мисрга қочиб кетганича, ҳануз ўша
ерда эди. 3 Исроил халқи одам юбориб, уни чақиртириб келди. Сўнг Ерибом билан
барча Исроил жамоаси Рахабом ҳузурига келиб, унга шу гапни айтишди:

4 — Отангиз бизга оғир бўйинтуруқ солиб, оғир меҳнат қилишга бизни
мажбурлаган эди. Энди сиз меҳнатимизни енгиллатиб, бизни бўйинтуруқдан
халос қилинг. Ўшанда биз сизга итоат этамиз.

5 — Ҳозир қайтиб кетаверинглар, — деди Рахабом келганларга. — Уч кундан
кейин яна ҳузуримга келинглар.

Шундай қилиб, халқ қайтиб кетди.

6 Шоҳ Рахабомнинг отаси Сулаймон ҳаётлиги даврида оқсоқоллар ҳар доим
унинг олдида ҳозиру нозир эдилар. Шоҳ ўша оқсоқолларга маслаҳат солди.

— Сизлар нима дейсизлар, бу халққа нима деб жавоб берсам бўлади?

7 Оқсоқоллар шоҳга шундай деб маслаҳат беришди:

— Агар сиз бу халққа бугун қул бўлиб хизмат қилсангиз, уларга жавоб
берганингизда, яхши сўзингизни аямасангиз, улар сизга бир умр хизмат
қиладилар.

8 Лекин шоҳ оқсоқолларнинг маслаҳатларини рад қилди. Бирга ўсган ва ўзига
хизмат қилаётган ёш йигитлар билан маслаҳатлашди. 9 Шоҳ ўша йигитларга деди:

— Бу халқ менга: “Отангиз бизга солган оғир бўйинтуруқдан энди бизни сиз
халос қилинг”, деяпти. Уларга нима деб жавоб берайин? Сизлар қандай маслаҳат
берасизлар?

10 Рахабом билан бирга ўсиб–улғайган ёш йигитлар унга шундай маслаҳат
беришди:

— Арз қилган ўша халққа шундай деб айт: “Менинг жимжилоғим отамнинг
белидан ҳам йўғон. 11 Отам сизларга оғир бўйинтуруқ солган эди, энди мен ундан
ҳам баттарроғини қиламан. Отам сизларни қамчи билан жазолаган экан, мен эса
чаёнларга чақтириб, жазолайман.”

12 Рахабом Еribомга ва халққа: “Учинчи куни ҳузуримга келинглар”, деб
айтгани учун, халқ айтилган пайтда шоҳ Рахабомнинг ҳузурига келди. 13-14 Шоҳ
оқсоқолларнинг берган маслаҳатларини писанд қилмай, ёш йигитларнинг гапига
кириб, халққа кескин жавоб берди:

— Отам сизларга оғир бўйинтуруқ солган эди, энди мен ундан ҳам
баттарроғини қиламан. Отам сизларни қамчи билан уриб жазолаган экан, мен эса
чаёнларга чақтириб жазолайман.

15 Шундай қилиб, шоҳ халққа қулоқ солмади. Эгамизнинг Шилўлик Охиё
орқали Набат ўғли Еribомга берган сўзи* бажо бўлиши учун Худо бу воқеани
шундай режалаштирган эди. 16 Исроил халқи қарасаки, шоҳ гапга қулоқ
солмаяпти. Шундан кейин халқ унга шундай хитоб қилди:

“Эссай ўғли Довуднинг бизга ўтказиб қўйган жойи йўқ,
Бизнинг ҳам ундан қарзимиз йўқ!
Эй Исроил халқи, ҳамма ўз уйига қайтсин!
Эй Довуд, энди ўз кўмочингга ўзинг кул тортавер!”

Шундай қилиб, Исроил халқи уйларига тарқалиб кетди. 17 Рахабом фақат
Яҳудо шаҳарларида яшайдиган Исроил халқи устидангина ҳукмронлик
қиладиган бўлиб қолди. 18 Шоҳ Рахабом қароллар бошлиғи Одонирамни* Исроил
халқи олдига юборган эди, Исроил халқи уни тошбўрон қилиб ўлдирди. Бу
хабарни шоҳ Рахабом эшитди–ю, шоша–пиша жанг аравасига миниб Қуддусга
қочди. 19 Исроил халқи ўша кундан бошлаб Довуд хонадонидан юз ўгирди.

20 Исроил* халқи: “Еribом қайтиб келибди” деган хабарни эшитишди–ю, одам
юбориб, уни ўзларининг ҳузурига чақиртириб келишди. Исроил халқи Еribомни
бутун Исроилга шоҳ қилди. Довуд хонадонига содиқ бўлган фақат Яҳудо қабиласи
қолди, бошқа ҳеч ким бу хонадонга эргашмади.

Шамаёнинг башорати

21 Сулаймон ўғли Рахабом Қуддусга келиб, Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан
180.000 одамни сипоҳликка танлаб олди. “Шоҳликни қайтариб оламан” деган

мақсадда уларни Исроил халқига қарши жанг қилиш учун тайёрлади. 22 Лекин
ўшанда Шамаё пайғамбарга Худонинг қуйидаги сўзлари аён бўлди: 23 “Яҳудо шоҳи
Сулаймон ўғли Рахабомга ҳамда бутун Яҳудо ва Бенямин қабиласига, бу ердаги
бошқа халқларга шу гапларни етказ: 24 «Эгамиз шундай айтмоқда:
қариндошларингиз Исроил халқига қарши уруш бошламанглар! Ҳар ким ўз уйига
қайтсин! Чунки бу ишлар ҳаммаси Мендан бўлди.»”

Улар Эгамизнинг амрига итоат этиб, уйларига қайтиб кетдилар.

Ерибом Худодан юз ўгиради

25 Ерибом Эфрайим қирларидаги Шакам шаҳрини мустаҳкам қилиб, ўша ерда
ўрнашди. У ердан Паниёлга* кетиб, у шаҳарни ҳам мустаҳкам қилди. 26 Кейин
Ерибом ўзига ўзи айтди: “Шоҳлик яна Довуд хонадонига қайтиб қолиши мумкин.
27 Агар бу халқ Эгамизнинг уйига қурбонлик қилиш учун Қуддусга бораверса, у
пайтда халқнинг кўнгли яна ўзларининг ҳукмдори Яҳудо шоҳи Рахабомга чопади,
мени эса ўлдирадилар.”

28 Шундан сўнг шоҳ Ерибом маслаҳатчилари билан кенгашиб, икки олтин
бузоқ ясади ва халққа деди:

— Эй Исроил, Қуддусга бориб юришингизга ҳожат йўқ! Мана, сизларни
Мисрдан олиб чиққан худоларингиз!*

29 Ерибом олтин бузоқларнинг бирини Байтил шаҳрига, иккинчисини Дан
шаҳрига* ўрнаштирди. 30 Халқ олтин бузоқларга топинмоқ учун Байтилга ва
Данга борарди*. Бу нарсалар эса ҳаммани гуноҳга ботирди.

31 Ерибом, бундан ташқари, бегона худоларга атаб саждагоҳлар* қурдирди.
Леви қабиласидан бўлмаган халқдан руҳонийлар тайинлади.

Байтилдаги қурбонгоҳ

32-33 Ерибом Исроил халқи учун Байтилда нишонланадиган бир байрам тайин
қилди, бу байрам Яҳудода нишонланадиган байрамга* ўхшаш эди. Бу байрамнинг
санасини Ерибом ўзича саккизинчи ойнинг* ўн бешинчи кунига белгилади. Ўзи
барпо қилган саждагоҳларда хизмат қиладиган руҳонийларни тайинлади. Ўзи
ясаган қурбонгоҳда ўша байрам куни олтин бузоқларига атаб қурбонликлар
келтирди.

13–БОБ

1 Ерибом қурбонгоҳнинг ёнида қурбонлик куйдирмоқчи бўлиб турган пайтда,
бир пайғамбар, Эгамизнинг амрига кўра, Яҳудодан Байтилга келди. 2 Пайғамбар
Эгамизнинг амри билан қурбонгоҳга нидо қилди:

— Қурбонгоҳ, эй қурбонгоҳ! Эгамиз шундай айтар: “Довуд хонадонида бир
ўғил фарзанд дунёга келар, Унинг исми Йўшиё* бўлар. Саждагоҳларда қурбонлик
куйдирадиган руҳонийларни сенинг устингда қурбон қилар. Сенинг устингда
инсон суякларини ёқар.”

3 Пайғамбар ўша куниёқ бунинг аломати тўғрисида айтди:

— Эгамиз айтган аломат қуйидагича бўлади: қурбонгоҳ ёрилиб кетар,
устидаги кул тўкилар.

4 Пайғамбарнинг Байтилдаги қурбонгоҳга айтган бу сўзларини Ерибом
эшитгач, қурбонгоҳдан унга томон қўлини узатиб: “Ушланглар уни!” — деди.
Еробомнинг пайғамбарга қарши чўзилган қўли эса қуриб, ёғочдай қотиб қолди.
Унинг қўли букилмайдиган бўлиб қолди. 5 Эгамизнинг пайғамбар орқали айтган
аломати бажо бўлди: қурбонгоҳ ёрилиб, устидаги кул тўкилиб кетди. 6 Шунда шоҳ
пайғамбарга деди:

— Илтижо қиламан, Эгангиз Худога мен учун ёлвориб, ибодат қилинг, токи қўлим аввалги ҳолига келсин.

Пайғамбар Эгамизга ибодат қилган эди, шоҳнинг қўли аввалги ҳолига келиб, букиладиган бўлди. 7 Шоҳ пайғамбарга яна айтди:

— Мен билан юр уйимга, тамадди қилиб ол, сенга ҳадялар берай.

8 Пайғамбар шоҳга деди:

— Бойлигингнинг ярмини берсанг ҳам, сен билан бормайман, бу ерда нон ҳам емайман, сув ҳам ичмайман. 9 Эгамиз менга: “Нон емайсан, сув ичмайсан, борган йўлингдан қайтмайсан”, деб амр берган.

10 Шундан кейин пайғамбар Байтилга келган йўлидан қайтмай, бошқа йўлдан кетди.

Байтиллик кекса пайғамбар

11 Байтилда кекса бир пайғамбар яшарди. Унинг ўғиллари келиб, Яҳудолик пайғамбарнинг шу куни Байтилда қилган ишлари ҳақида оталарига айтиб бердилар. Пайғамбарнинг шоҳга айтган сўзларини ҳам оталарига баён қилдилар. 12 Отаси ўғилларидан: “Ўша одам қайси йўлдан кетди?” — деб сўради.

Яҳудодан келган пайғамбарнинг қайси йўлдан кетганини унга ўғиллари кўрсатдилар. 13 Шунда кекса пайғамбар ўғилларига: “Эшагимни эгарланглар!” — деди. Ўғиллари пайғамбарнинг эшагини эгарлаб бердилар, у эшагига миниб жўнади.

14 Кекса пайғамбар Яҳудолик пайғамбарнинг изидан кетди ва ниҳоят уни топди. Яҳудолик пайғамбар эман дарахти остида ўтирган экан. Кекса пайғамбар ундан:

— Яҳудодан келган пайғамбар сенмисан? — деб сўради.

— Ҳа, менман, — жавоб берди у. 15 Кекса пайғамбар унга:

— Мен билан юр уйимга, тамадди қилиб ол, — деди. 16 У эса кекса пайғамбарга:

— Сен билан бирга қайтиб боролмайман, — деди. — Бу ерда сен билан бирга нон ҳам емайман, сув ҳам ичмайман. 17 Эгамиз менга: “У ерда нон ҳам емайсан, сув ҳам ичмайсан, борган йўлингдан қайтмайсан”, деб амр берган.

18 Пайғамбар эса унга шундай деди:

— Мен ҳам сенга ўхшаган бир пайғамбарман, фариштa менга Эгамизнинг шу сўзларини айтди: “Уни йўлдан қайтариб, ўзинг билан бирга уйингга олиб кел, нон еб, сув ичиб олсин.”

Лекин кекса пайғамбар ёлғон гапираётган эди.

19 Шундай қилиб, Яҳудолик пайғамбар кекса пайғамбар билан бирга қайтиб келди, унинг уйида тамадди қилди. 20 Улар дастурхон атрофида ўтирганларида, кекса пайғамбарга Эгамиз шу сўзларни аён қилди. 21 Кекса пайғамбар эса Яҳудолик пайғамбарга деди:

— Эгамиз шундай айтмоқда: “Сен Менинг сўзимга итоат қилмадинг! Мен, Эгангиз Худонинг амрига қарши чиқиб 22 орқангга қайтдинг. Мен сенга нон ема, сув ичма, деб айтган ерда еб–ичдинг. Энди сенинг жасадинг ота–боболаринг хилхонасига дафн қилинмайди.”

23 Яҳудолик пайғамбар тамадди қилиб бўлиши биланоқ, кекса пайғамбар унинг эшагини эгарлаб берди. 24 Яҳудолик пайғамбар йўлда кетаётган эди, олдидан бир шер чиқиб қолди. Шер уни тилка–пора қилиб, жасадни йўлнинг устига ташлади. Эшак ҳам, шер ҳам жасаднинг олдида турарди. 25 Шу ердан ўтиб кетаётган одамлар йўл ўртасидаги жасадни ва жасад ёнида турган шерни кўрдилар. Одамлар кекса пайғамбар яшайдиган шаҳарга бориб, кўрганларини

айтдилар. 26 Яҳудолик пайғамбарни йўлдан қайтариб келган кекса пайғамбар шу воқеани эшитиб деди:

— Эгамизнинг амрига итоат этмаган пайғамбар ўшадир. Шунинг учун Эгамиз шерни юборди ва шер уни тилка–пора қилиб ташлади. Эгамиз, айтганига биноан, уни ўлдирди.

27 Кекса пайғамбар ўғилларига: “Эшагимни эгарланглар!” — деди. Ўғиллари эшакни эгарлаб бердилар. 28 У бориб, йўл ўртасида ётган жасадни топди. Эшак ҳам, шер ҳам жасаднинг ёнида турар, шер жасадни емаган, эшакка ҳеч қандай зарар етказмаган эди. 29 Кекса пайғамбар Яҳудолик пайғамбарнинг жасадини ердан кўтариб олиб, эшакка ортди ва орқасига қайтариб, олиб кетди. Уни дафн қилиб, унга аза очай деб, шаҳарга келди. 30 Жасадни ўзининг қабрига қўйгач: “Вой жигарим, вой жигарим!” деб қабр устида фарёд чекди. 31 Яҳудолик пайғамбарни дафн қилгач, кекса пайғамбар ўғилларига:

— Вафот этганимдан сўнг мени ҳам Яҳудолик пайғамбар дафн қилинган хилхонага қўйинглар, — деди. — Суякларим унинг суяклари ёнида турсин. 32 Эгамизнинг амрига кўра, Байтилдаги қурбонгоҳ ва Самария* шаҳарларидаги ҳамма саждагоҳлар ҳақида унинг айтган сўзлари албатта бажо бўлади.

Еробомнинг гуноҳ ишлари

33 Бу ҳодисадан кейин ҳам Еробом қабиҳ йўлдан қайтмади. Яна саждагоҳларга оддий халқдан руҳонийлар тайин этди. Кимни хоҳласа, ўшани руҳоний қилиб тайинлайверди. 34 Бу гуноҳ ишлар Еробом наслининг ер юзидан қирилиб, йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

14–БОБ

Еробомнинг ўғли вафот этади

1 Ўша пайтда шоҳ Еробомнинг ўғли Абиё касал бўлиб қолди. 2 Еробом хотинига:

— Қани, тур, кийимларингни ўзгартир, токи менинг хотиним эканлигингни ҳеч ким билиб қолмасин, — деди. — Шилўга жўна. Охиё пайғамбар ўша ерда. Исроил халқининг шоҳи бўлишим ҳақида у башорат қилган эди*. 3 Ўнта нон, бир нечта кулча, бир хумча асал олиб, Охиё пайғамбарнинг ҳузурига бор. Ўғлимизга нима бўлишини у сенга айтади.

4 Хотини Еробом айтганидай қилди, ўрнидан туриб, Шилўга йўл олди. Охиёнинг уйига етиб ҳам келди. Охиё қартайганидан кўзлари кўрмайдиган бўлиб қолган эди. 5 Эгамиз Охиёга деди:

— Ана, Еробомнинг хотини келяпти, қара, қиёфасини ўзгартириб олган, ўғли касал, унга нима бўлади — шуни сендан сўрамоқчи. Унга шундай–шундай деб айт.

6 Еробомнинг хотини эшикни очиб, остона ҳатлаши биланоқ, Охиё унинг қадам товушларини эшитди. Шу заҳоти Охиё аёлга деди:

— Кел, Еробомнинг хотини, ичкарига кир. Мени биров таниб қолмасин, деб бошқача кийиниб олибсанми?! Аммо сенга совуқ хабарларим бор. 7 Изингга қайтиб бор, Еробомга шу гапларни етказ: “Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: сени халқинг орасидан юксалтириб, халқим Исроил устидан ҳукмдор қилдим. 8 Шоҳликни Довуд хонадонидан тортиб олиб, сенга бердим. Бироқ сен қулим Довудга ўхшаган бўлмадинг. У менинг амрларимга риоя қилиб, бутун қалби билан Менга эргашар, олдимда тўғри ишларнигина қиларди. 9 Сен ўзингдан олдин ўтганларнинг ҳаммасидан ҳам кўп ёмон ишлар қилдинг. Ўзинг учун бошқа худоларнинг тасвирларини ясаб, Мени ғазаблантирдинг. Мендан юз

ўгирдинг. 10 Ана шу қилмишларинг эвазига хонадонингга балою офат
келтираман. Хоҳ қул бўлсин, хоҳ озод бўлсин, Исроилдаги ҳар бир эркак
уруғингни қириб юбораман. Хонадонингни, худди супуриндини битта қолдирмай
улоқтиргандай, илдизидан қуритиб ташлайман. 11 Шаҳарда ўлган оиланг аъзоси
кўппакларга ем бўлар, қирда ўлгани кўкдаги қушларга ем бўлар. Зотан, бу
сўзларни Эгамиз айтган.” 12 Энди ўрнингдан тур, уйингга жўна. Шаҳарга қадам
қўйишинг биланоқ, боланг нобуд бўлади. 13 Бутун Исроил халқи болангни дафн
қилади, унга аза тутади. Исроил халқининг Худоси — Эгамиз Ерибом
хонадонидан фақат шу боланигина хуш кўрди. Ерибом хонадонидан қабрга
кўмиладиган фақат шу боладир. 14 Шундан кейин Эгамиз Ўзи учун Исроил устига
бир шоҳ қўяди. У шоҳ Ерибом хонадонини ўша куни — ўша заҳотиёқ қириб
битиради. 15 Эгамиз Исроил халқини шундай урадики, Исроил сув ичида ўсган
қамишга ўхшаб титрайди. Эгамиз Исроил халқини ота–бобосига берган бу
ҳосилдор юртдан юлиб олиб, Фурот дарёсининг нариги томонига сочиб юборади.
Чунки бу халқ Ашерага* атаб устунлар ясаб, Эгамизни ғазаблантирди. 16 Ерибом
гуноҳ қилди, Исроил халқини ҳам гуноҳга ботирди, шунинг учун Эгамиз
Исроилни тарк этади.

17 Ерибомнинг хотини ўрнидан туриб, уйига жўнади. У Тирзага* етиб келиб,
уйининг остонасидан ҳатлаши биланоқ, боласи жон берди. 18 Эгамизнинг Ўз қули
Охиё пайғамбар орқали айтган сўзлари бажо бўлди, бутун Исроил халқи болани
дафн қилиб, унга аза тутди.

Ерибомнинг ўлими

19 Ерибомнинг бошқа ишлари — қандай жанг қилгани, қай тарзда ҳукмронлик
қилгани — ҳаммаси “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 20 Ерибом
йигирма икки йил шоҳ бўлди. У ҳам оламдан ўтди. Ўрнига ўғли Надов шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Рахабом

21 Сулаймоннинг ўғли Рахабом эса Яҳудода ҳукмронлик қилди. У тахтга
ўтирган пайтда қирқ бир ёшда эди. Онаси Оммонлик бўлиб, исми Намах эди.
Рахабом Қуддусда ўн етти йил шоҳлик қилди. Эгамиз ҳамма Исроил
қабилаларининг шаҳарлари орасидан Қуддус шаҳрини Ўзи улуғланиши учун
танлаб олган эди.

22 Яҳудо халқи ҳам Эгамиз олдида қабиҳликлар қилди. Гуноҳ ишлари билан
Худонинг рашкини қўзғатиб, Уни ота–боболаридан ҳам қаттиқроқ
ғазаблантирди. 23 Ҳар бир тепалик жойда, ҳар бир яшил дарахт остида ўзларига
саждагоҳлар*, бутсимон тошлар, Ашеранинг устунларини ясадилар. 24 Бу юртдаги
саждагоҳларда фоҳишлар* ҳам бор эди. Яҳудо халқи шунчалик кўп қабиҳ ишлар
қилдики, уларнинг қилмишлари Канъон юртидан Эгамиз қувиб юборган ҳамма
халқларнинг жирканч ишларига баробар эди.

25 Рахабом ҳукмронлигининг бешинчи йилида* Миср шоҳи Шишах Қуддусга
бостириб келди. 26 У Эгамизнинг уйидаги ва саройдаги хазиналарни тортиб олди,
қўлига нима илинса, ҳаммасини олди. Сулаймон ясаттирган ҳамма олтин
қалқонларни ҳам олди. 27 Шоҳ Рахабом олтин қалқонлар ўрнига бронза қалқонлар
ясаттирди ва уларни шоҳ саройи дарвозасини қўриқлайдиган соқчилар
бошлиқлари қўлига берди. 28 Шоҳ Эгамизнинг уйига кирганда, соқчилар
қалқонларни кўтариб боришар, кейин эса қалқонларни жойига элтиб қўйишарди.

29-30 Рахабом билан Ерибом бутун умри давомида уришиб келдилар.
Рахабомнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида
ёзилган. 31 Ниҳоят, Рахабом оламдан ўтиб, Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига

дафн қилинди. Онаси Оммонлик бўлиб, исми Намах эди. Рахабомнинг ўрнига ўғли Абиё* шоҳ бўлди.

15–БОБ

Яҳудо шоҳи Абиё

1 Исроил шоҳи Еribом ҳукмронлик қилаётганига ўн саккиз йил бўлганда, Абиё
Яҳудога шоҳ бўлди. 2 У Қуддусда уч йил шоҳлик қилди. Онасининг исми Махо
бўлиб, у Абсаломнинг* қизи* эди. 3 Абиё ҳам отасининг илгари қилган
гуноҳларини давом эттирди. Абиё ўзининг Эгаси Худога чин дилдан боғланган
бобоси Довуд сингари эмас эди. 4 Шунга қарамай, Довуднинг ҳақи–ҳурмати учун
Эгаси Худо Абиёдан кейин Абиёнинг ўғлини тахтга ўтқазди. Шундай қилиб,
Қуддусни мустаҳкам қилиб, шу шаҳарда Довуд сулоласининг чироғини ўчирмади.
5 Зеро, Довуд Эгамиз олдида доим тўғри иш қилди. Хет халқидан бўлган Уриёга*
қилган номуносиб хатти–ҳаракатини ҳисобга олмаганда, Довуд умрининг
охиригача Эгамизнинг амридан зинҳор бўйин товламади. 6-7 Рахабом билан
Еribом ўртасида бошланган уруш Абиёнинг умри охиригача давом этди.
Абиёнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзиб
қолдирилган. 8 Абиё оламдан ўтиб, Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн
қилинди. Унинг ўрнига ўғли Осо шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Осо

9 Еribом Исроилга ҳукмронлик қилаётганига йигирма йил бўлганда, Осо
Яҳудо ҳукмдори бўлди. 10 У Қуддусда қирқ бир йил шоҳлик қилди. Бувисининг
исми Махо бўлиб, у Абсаломнинг қизи эди. 11 Осо, бобоси Довуд каби, Эгамиз
олдида тўғри ишлар қилди. 12 Саждагоҳлардаги фоҳишларни* бу юртдан қувди.
Ота–боболари ясаган ҳамма бутларни йўқ қилди. 13 Бувиси* Махо Ашеранинг*
макруҳ тасвирини ясаттирган эди, шунинг учун Осо бувисини маликалик
мартабасидан* маҳрум қилди. У бувиси ясаттирган бутни қўпориб ташлаб,
Қидрон сойлигида* ёқиб юборди. 14 Осо саждагоҳларни йўқ қила олмаган
бўлса–да, умр бўйи Эгамизга содиқ қолди. 15 Отаси ва ўзи Худога атаб назр этган
олтину кумушларни, идишларни Эгамизнинг уйига олиб келди. 16 Осо билан
Исроил шоҳи Башо умрларининг охиригача бир–бирлари билан уришиб ўтдилар.
17 Исроил шоҳи Башо Яҳудога ҳужум қилди. Одамлар Яҳудо юртига осонликча
кириб чиқа олмаслиги учун, Башо Рама шаҳрини* мустаҳкамлади.

18 Осо эса Эгамиз уйининг хазинасида қолган ҳамма олтин ва кумушни ҳамда
шоҳ саройи хазиналарини олди. Хазиналарни аъёнлари орқали Орам шоҳи
Банҳадад ҳузурига жўнатди. Хезиённинг набираси Банҳадад Тавриммўннинг ўғли
эди. Осо Дамашқда ўтирган Банҳададга шу гапларни етказишни буюрди:
19 “Сенинг отанг билан менинг отам ўртасида иттифоқ бўлгани каби, сен билан
менинг ўртамда ҳам иттифоқ бўлсин. Сенга ҳадя қилиб кумуш ва олтин бериб
юборяпман. Исроил шоҳи Башо билан иттифоқ тузган эдинг, энди ўшани бекор
қил, токи у юртимдан жўнаб қолсин.”

20 Банҳадад шоҳ Осонинг таклифини қабул қилди, лашкарбошиларига:
“Исроил шаҳарларига ҳужум қилинглар”, деб уларни ўша ёққа юборди. Улар
Ийхон, Дан, Овил–Байт–Махо шаҳарларини, бутун Нафтали ерлари билан бирга
Жалила кўли* атрофларини босиб олдилар. 21 Башо бу воқеани эшитгач, Рамани
мустаҳкамлаш фикридан воз кечиб, Тирзага қайтиб келди. 22 Шоҳ Осо Яҳудо
халқининг биттасини ҳам қолдирмай чақирди. Уларга Рама шаҳрини
мустаҳкамлашда Башо ишлатган тош ва ёғочларни ташиттирди. Осо ўша тош ва

ёғочлар билан Бенямин ерларидаги Гебо ҳамда Миспах шаҳарларини мустаҳкамлади.

23 Осонинг бошқа ишлари, қаҳрамонликлари, бутун фаолияти, мустаҳкам қилган шаҳарлари ҳақида “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзиб қолдирилган. У ҳам кексайиб, оёқлари оғрийдиган бўлиб қолди. 24 Ниҳоят, Осо оламдан ўтиб, бобоси Довуднинг қалъасида, ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Ёҳушафат шоҳ бўлди.

Исроил шоҳи Надов

25 Осо Яҳудода шоҳлик қилаётганига икки йил бўлганда, Надов Исроил шоҳи бўлди ва икки йил ҳукмронлик қилди. Надов Ерибомнинг ўғли эди. 26 У ҳам Эгамиз олдида қабиҳликлар қилди. Исроилни гуноҳга ботирган отасидан намуна олди.

27 Иссахор хонадонидан Охиё ўғли Башо Надовга қарши суиқасд уюштириб, Филистларнинг Гибитон шаҳрида уни ўлдирди. Ўшанда Надов ва бутун Исроил лашкари Гибитон шаҳрини қамал қилиб турган эди. 28 Осо Яҳудода учинчи йили шоҳлик қилаётганда, Башо Надовни ўлдирди. Башо Надовнинг ўрнига шоҳ бўлди. 29 У шоҳ бўлгандан кейин Ерибомнинг бутун оиласини битта қўймай қириб ташлади. Шундай қилиб, Эгамизнинг Ўз қули, Шилўлик Охиё* орқали айтган сўзлари* бажо бўлди. 30 Ерибомнинг ўзи ҳам гуноҳ қилиб, Исроил халқини ҳам гуноҳга ботириб, Исроил халқининг Худоси — Эгамизни ғазаблантиргани учун шу воқеалар юз берганди.

31 Надовнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзиб қолдирилган. 32 Осо билан Исроил шоҳи Башо умрларининг охиригача бир–бири билан уришиб ўтдилар.

Исроил шоҳи Башо

33 Яҳудо шоҳи Осо ҳукмронлик қилаётганига уч йил бўлганда, Башо Тирзада бутун Исроил халқи устидан ҳукмдор бўлди ва йигирма тўрт йил шоҳлик қилди. 34 У ҳам Ерибомнинг йўлидан кетиб, Эгамиз олдида қабиҳликлар қилиб, Исроилни гуноҳга ботирди.

16–БОБ

1 Эгамиз Исроил шоҳи Башога Хонин ўғли Ёҳу орқали шу сўзларни аён қилган эди:

2 — Сени Мен тупроқ остидан чиқариб юксалтирдим. Сени халқим Исроилнинг ҳукмдори қилдим. Сен эса Ерибомнинг йўлидан кетиб, халқим Исроилни гуноҳга ботирдинг. Гуноҳларингиз Мени ғазаблантирди. 3 Мана кўрасан, Набат ўғли Ерибом хонадони сингари, сенинг оилангни ҳам илдизидан қуритаман. 4 Сенинг хонадонингдан бўлган одам шаҳарда ўлса кўппакларга ем бўлар, қирда ўлса кўкдаги қушларга ем бўлар.

5 Башонинг бошқа ишлари, фаолияти, қаҳрамонликлари “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзиб қолдирилган. 6 Башо ҳам оламдан ўтиб, Тирзада ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Элох шоҳ бўлди. 7 Хонин ўғли Ёҳу орқали Башога ва унинг хонадонига Эгамиз Ўзининг сўзларини аён қилган эди. Башо Эгамиз олдида Ерибом хонадони каби қабиҳликлар қилгани ва Ерибомнинг хонадонини қириб ташлагани учун Эгамиз ундан ғазабланди.

Исроил шоҳи Элох

8 Осо Яҳудога шоҳлик қилаётганига йигирма олти йил бўлганда, Элох Исроил

шоҳи бўлди. Элох Башонинг ўғли эди. У Тирзада истиқомат қилиб, икки йил ҳукмронлик қилди. 9 Лекин жанг араваларининг ярмига қўмондон бўлган Зимри унга суиқасд уюштирди. Элох Тирзада турган пайтда Тирзадаги бош вазири Арзонинг уйида ичиб маст бўлиб қолди. 10 Шунда Зимри ичкарига кирди–ю, уни ўлдирди. Сўнг Зимри шоҳ бўлиб олди. Осо Яҳудода шоҳлик қилаётганига йигирма етти йил бўлганда, шу воқеа юз берди.

11 Зимри шоҳ бўлиб тахтга ўтиргач, Башо хонадонини битта қўймай қириб ташлади. Башонинг қариндош–уруғидан ҳам, ёр–биродарларидан ҳам бironта эркак зоти тирик қолмади. 12 Эгамизнинг Ёҳу пайғамбар орқали айтган сўзларига кўра, Зимри Башо хонадонини йўқ қилди. 13 Башо билан унинг ўғли Элохнинг гуноҳлари кўп бўлиб, улар Исроил халқини гуноҳга ботирган, ўзларининг бутлари билан Исроил халқининг Худоси — Эгамизни ғазаблантиргани учун шу ҳодисалар юз берган эди. 14 Элохнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзиб қолдирилган.

Исроил шоҳи Зимри

15 Осо Яҳудога шоҳлик қилаётганига йигирма етти йил бўлганда, Зимри ҳам Тирзада етти кун Исроилга шоҳ бўлди. Исроил лашкари шу пайтда Гибитон шаҳрини қамал қилиб турган эди. Бу шаҳар Филистларники эди. 16 “Зимри шоҳга суиқасд уюштирибди, шоҳни ўлдирибди” деган хабарни лашкар Гибитонни қамал қилиб турган ерда эшитди. Халқ лашкарбоши Омрини қароргоҳда ўша куниёқ Исроил шоҳи қилиб кўтарди. 17 Омри Исроил лашкарини бошлаб Гибитондан чиқиб келди ва Тирзани қамал қилди. 18 Зимри эса шаҳарнинг қўлдан кетганини кўрди–ю, шоҳ саройининг ички қалъасига кирди. Кейин орқасидан шоҳ саройига ўт қўйиб юбориб, ўзи ҳам нобуд бўлди. 19 Зимри гуноҳ қилгани учун шу ҳодисалар юз берган эди. У Еribомнинг йўлидан юриб, Эгамиз олдида қабиҳликлар қилган ва Исроил халқини гуноҳга бошлаган эди. 20 Зимрининг бошқа ишлари, хоинлиги “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзиб қолдирилган.

Исроил шоҳи Омри

21 Энди Исроил халқи иккига бўлиниб қолди. Халқнинг ярми: “Гинат ўғли Тивнахни шоҳ қиламиз”, деб унга эргашди, ярми эса Омрининг этагини тутди. 22 Омрининг этагини тутган халқ Тивнахга эргашган халқ устидан ғолиб келди, Тивнах эса ўлди. Омри шоҳ бўлиб қолди. 23 Осо Яҳудога шоҳлик қилаётганига ўттиз бир йил бўлганда, Омри Исроил шоҳи бўлди. У ҳаммаси бўлиб ўн икки йил ҳукмронлик қилди. Олти йили Тирзада ўтди. 24 У Шамер исмли одамдан тўрт пуд* кумушга тепаликни сотиб олиб, у ерга шаҳар қурдирди. Шаҳарни тепаликнинг олдинги эгаси Шамернинг исми билан Самария деб атади.

25 Омри ҳам Эгамиз олдида қабиҳликлар қилди. У шу даражада қабиҳлик қилдики, аввал ўтган шоҳларнинг бирортаси Омричалик қабиҳлик қилмаган эди. 26 Омри ҳам Исроил халқини гуноҳга ботирган Набат ўғли Еribомнинг йўлидан кетди. Омри халқни бутпарастликка бошлаб, Исроил халқининг Худоси — Эгамизни ғазаблантирди. 27 Омрининг бошқа ишлари, кўрсатган қаҳрамонликлари “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзиб қолдирилган. 28 Ниҳоят, Омри оламдан ўтиб, Самарияда ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Ахаб шоҳ бўлди.

Исроил шоҳи Ахаб

29 Осо Яҳудога шоҳлик қилаётганига ўттиз саккиз йил бўлганда, Ахаб Исроил шоҳи бўлди. Ахаб Омрининг ўғли эди. У Самарияда туриб, йигирма икки йил давомида Исроилни бошқарди. 30 Ахаб Эгамиз олдида шундай қабиҳликлар

қилдики, олдин ўтган шоҳларнинг бирортаси ҳам шунчалик қабиҳлик қилмаган эди. 31 Ҳатто Набат ўғли Ерибомнинг гуноҳларига шерик бўлгани камлик қилгандай, Сидонликлар* шоҳи Этбаалнинг қизи Изабелга уйланиб, Баалга сажда қилиб, хизмат қила бошлади. 32 Самарияда Баалга атаб қурган уйда қурбонгоҳ ҳам барпо қилди. 33 Ахаб, бунинг устига, Ашерага* атаб устун ясади. У ўзидан аввал ўтган ҳамма Исроил шоҳларидан зиёда гуноҳ қилиб, Исроил халқининг Худоси — Эгамизни ғазаблантирди.

34 Ахаб шоҳлик қилган даврда Байтиллик Хиёл Ерихо шаҳрини қайтадан қурди. Эгамизнинг Нун ўғли Ёшуа орқали қилган башорати* бажо бўлди. Хиёл тўнғич ўғли Абурамнинг жони эвазига шаҳарнинг пойдеворини ётқизди. Кичик ўғли Сахувнинг жони эвазига* эса шаҳар дарвозасини ўрнатди.

17–БОБ

Илёс ва қурғоқчилик

1 Гиладнинг* Тишба шаҳридан бўлган Илёс Ахабга деди:

— Мен хизмат қилаётган Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шоҳид! Мен айтмагунимча, шу йилларда на шудринг тушади, на ёмғир ёғади*.

2 Илёсга Эгамиз шу сўзларни аён қилди:

3 — Бу ердан кет, шарқ томонга бор. Иордан дарёси шарқидаги Харит жилғаси ёнида беркиниб ол. 4 Сен ўша жилғанинг сувидан ичасан, қарғаларга амр бердим: улар сени боқишади.

5 Илёс Эгамизнинг амрига биноан, бу ердан кетди. Иордан дарёсининг шарқидаги Харит жилғасига бориб, ўша ерда қолди. 6 Қарғалар унга эрталаб ҳам, кечқурун ҳам нон ва гўшт олиб келишар, ўзи эса жилғанинг сувидан ичарди. 7 Бутун юрт бўйлаб ёмғир ёғмади, орадан бир неча кун ўтгач, жилға ҳам қуриб қолди.

Илёс ва Зорафатлик бева аёл

8 Кейин Илёсга Эгамиз шу сўзларни аён қилди:

9 — Тур ўрнингдан! Сидондаги Зорафат шаҳрига* бориб, ўша ерда яша. Шу шаҳарда яшайдиган бир бева аёлга амр этдим, у сени боқади.

10 Илёс Зорафатга жўнади. Шаҳар дарвозаси олдига етиб боргач, қараса, бир аёл ўтин териб юрибди. Илёс аёлни чақириб, унга деди:

— Илтимос, менга ичгани идишда озгина сув берсангиз.

11 Аёл сувга кетаётган эди, уни яна чақириб айтди:

— Илтимос, менга бир бурда нон ҳам ола келинг.

12 Аёл деди:

— Эгангиз Худо шоҳид! Уйимда нон увоғи ҳам йўқ, фақат хумда бир ҳовуч ун ва хурмачада озгина зайтун мойи бор, холос. Икки–учта тараша ўтин териб олсам, бориб, ўзим ва ўғлим учун нимадир тайёрлаган бўлардим. Бу охирги егулигимиз бўлади. Балки кейин ўлиб кетармиз.

13 Илёс аёлга деди:

— Қўрқманг, бораверинг, егуликни тайёрлайверинг. Фақат олдин ўша ун ва мойдан кулча қилиб, менга олиб келиб беринг. Ўзингизга ва ўғлингизга эса кейин қиларсиз. 14 Бинобарин, Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: “Мен ер узра ёмғир ёғдирмагунга қадар, хумдаги ун тамом бўлмас, хурмачадаги мой ҳам тугамас.”

15 Аёл бориб, Илёснинг айтганларини қилди. Шундан кейин Илёс билан аёлнинг оиласи учун егулик кўп кунларга етадиган бўлди. 16 Эгамизнинг Илёс

орқали айтганларига биноан, хумдаги ун ҳам тамом бўлмади, хурмачадаги мой ҳам тугамади.

17 Орадан бир қанча вақт ўтгач, хонадон соҳибаси — аёлнинг ўғли касал бўлиб қолди. У шунчалик оғир дардга йўлиқдики, охири жон берди. 18 Аёл Илёсга деди:

— Мендан нима истайсиз, эй Худонинг одами?* Сиз гуноҳларимни Худога эслатгани ва ўғлимнинг ўлимига сабабчи бўлгани келибсиз–да?!*

19 Илёс аёлга: “Менга беринг ўғлингизни!” — деб болани аёлнинг қучоғидан олди, уни ўзи истиқомат қиладиган болохонага олиб чиқиб, тўшакка ётқизди. 20 Сўнгра Эгамизга хитоб қилди:

— Эй Эгам Худо! Мен шу бева аёлнинг меҳмониман. Наҳот, унинг ўғлини нобуд қилиб, бошига кулфат ёғдирсанг?!

21 Илёс боланинг устига уч марта чўзилиб, кейин Эгамизга яна хитоб қилди:

— Эй Эгам Худо! Илтижо қиламан, бу болага қайтадан жон ато эт!

22 Эгамиз Илёснинг илтижосини эшитди. У болага қайтадан жон ато этиб, тирилтирди. 23 Илёс болани болохонадан уйга олиб тушди, уни онасига бериб: “Қаранг, ўғлингиз тирик!” — деди. 24 Аёл эса Илёсга:

— Энди билдим, сиз Худонинг одами экансиз, — деди. — Эгамиз чиндан ҳам сиз орқали гапирар экан.

18–БОБ

Илёс ва Баалнинг пайғамбарлари

1 Орадан анча кунлар ўтди. Ниҳоят, қурғоқчиликнинг учинчи йили Илёсга Эгамиз шу сўзларни аён қилди:

— Ахабнинг ҳузурига бор. Мен ер юзига ёмғир ёғдираман.

2 Илёс Ахабга кўрингани кетди. Бу вақтда Самарияда даҳшатли очарчилик ҳукм сурарди.

3 Ахаб сарой бошқарувчиси Ободиёни чақирди. Ободиё Эгамиздан жуда қўрқарди. 4 Изабел Эгамизнинг пайғамбарларини ўлдираётганда, Ободиё юзта пайғамбарни ғорга олиб кетган ва элликта–элликта қилиб ўша ерда яширган, уларни нон–сув билан таъминлаб турганди. 5 Ахаб Ободиёга деди:

— Юртдаги ҳамма булоқлар ва сойликларга бор, ўт–ўлан топиб, отларни, хачирларни боқайлик, мол–ҳолдан айрилиб қолмайлик тағин.

6 Иккови айланиб чиқиш учун юрт ҳудудини тақсимлаб олишди. Ахаб бир йўлдан ўзи алоҳида кетди. Ободиё ҳам ўзи алоҳида бошқа йўлдан кетди.

7 Ободиё йўлда кетаётганда, рўпарасидан Илёс чиқиб қолди. Ободиё Илёсни таниди ва етти букилиб таъзим қилиб:

— Сизмисиз, тўрам Илёс? — деб сўради.

8 — Ҳа, менман, — деб жавоб берди Илёс унга. — Бор, хўжайинингга: “Илёс шу ерда”, деб айт.

9 — Менинг қандай айбим борки, сиз мен, қулингизни Ахабнинг қўлига топшириряпсиз?! — деди Ободиё. — Мени ўлдириш учунми?! 10 Эгангиз Худо шоҳид! Бирорта шоҳлик ёки халқ йўққи, хўжайиним сизни ахтариб топиш учун ўша ерларга бирор одамни жўнатмаган бўлсин. Ўша шоҳликлардан, халқлардан: “Илёс бу ерда йўқ”, деб жавоб келгандан кейин ҳам уларга сизни топа олмаганлари ҳақида қасам ичдирди. 11 Энди эса сиз: “Бор, хўжайинингга, Илёс шу ерда, деб айт”, деяпсиз. 12 Ёнингиздан кетишим биланоқ, Эгамизнинг Руҳи сизни бирор жойга олиб кетади. Қаергалигини эса мен билолмай қоламан. Мен Ахабнинг ҳузурига бориб хабар бердим ҳам дейлик. У эса сизни топа олмаса, ўша заҳоти мени

ўлдиради. Лекин мен, қулингиз, болалигимдан Эгамиздан қўрқаман. 13 Изабел
Эгамизнинг пайғамбарларини ўлдираётганда, мен Эгамизнинг
пайғамбарларидан юзтасини элликта–элликта қилиб ғорларда яширдим, уларга
нон–сув бериб турдим. Наҳотки мана шу қилган ишларим ҳақида тўрам
эшитмаган бўлсалар?! 14 Энди эса сиз менга: “Бор, Илёс шу ерда, деб хўжайинингга
айт”, деяпсиз. У мени ўлдиради–ку!
15 — Мен хизмат қилаётган Саввари Олам шоҳид! Бугун мен унга албатта
кўринаман, — деди Илёс.
16 Шундан кейин Ободиё Ахабнинг ёнига бориб, уни воқеадан хабардор қилди.
Ахаб эса Илёсни кутиб олиш учун кетди. 17 Ахаб Илёсни кўрди–ю: “Исроилга бало
келтирадиган сенмисан ҳали?!” деб дўқ урди.
18 — Исроилга бало келтирадиган мен эмас, — дея жавоб берди Илёс. —
Аксинча, сен ва отангнинг хонадони Эгамизнинг амрларидан юз ўгирдингизлар,
Баалга сажда қилиб, Исроилга бало келтирдингизлар. 19 Энди бирортасига буюр:
бутун Исроил халқини, Баалнинг Изабел дастурхонидан таом ейдиган 450 нафар
пайғамбарини, Ашеранинг* 400 нафар пайғамбарини менга Кармил тоғи ёнига
тўплаб берсин.
20 Ахаб жамики Исроил халқини, пайғамбарларни Кармил тоғи* ёнига тўплади.
21 Илёс халқнинг рўпарасига чиқиб, уларга танбеҳ берди:
— Қачонгача икки кеманинг учини тутиб юрасизлар?! Агар Эгамиз Худо бўлса,
Унга эргашинглар. Борди–ю, Баал Худо бўлса, унга сажда қилинглар.
Халқдан садо чиқмади. 22 Илёс яна халққа қараб гапира бошлади:
— Эгамизнинг пайғамбарларидан ёлғиз мен қолдим, Баалнинг пайғамбарлари
эса 450 киши. 23 Энди бизга иккита буқа келтиринглар. Баалнинг пайғамбарлари
битта буқани танлаб олиб нимталасин, кейин ўтинларнинг устига қўйишсин,
лекин олов ёқишмасин. Мен ҳам буқанинг биттасини тайёрлаб ўтинларнинг
устига қўяман, лекин олов ёқмайман. 24 Баалнинг пайғамбарлари илтижо қилиб,
Баални чақиришсин. Мен ҳам илтижо қилиб, Эгамизни чақираман. Кимнинг
Худоси аланга орқали жавоб берса, Худо Ўшадир.
Халққа бу гап жуда маъқул келди. 25 Илёс Баалнинг пайғамбарларига деди:
— Сизлар кўпчиликсиз, битта буқани танлаб олиб, аввал сизлар
нимталанглар. Кейин худойингизга илтижо қилиб, чақиринглар, лекин олов
ёқманглар.
26 Баалнинг пайғамбарлари ўзлари танлаб олган буқани нимталаб, тайёрлаб
қўйдилар. Кейин эрталабдан пешингача: “Эй Баал, бизга жавоб бер!” деб
ўзларининг худосига илтижо қилиб, чақирдилар. Лекин на бирон садо келди, на
бирортаси жавоб берди. Улар ўзлари қурган қурбонгоҳнинг атрофида
сакрайвердилар.
27 Пешин вақти бўлди. Илёс энди уларнинг устидан кула бошлади:
— Баландроқ овоз билан чақиринглар. Ахир, у худо–ку, балки хаёл суриб
ўтиргандир, ё бирор нарса билан машғулдир, ёки йўлда келаётгандир, ёки ухлаб
ётган бўлса, уйғотиш керакдир.
28 Хуллас, улар баланд овоз билан бақиравердилар. Кейин, одатларига кўра,
ўзларига пичоқ ва найза санчиб, қон оқиздилар. 29 Пешин вақти ўтиб кетди. Кечки
қурбонлик пайтига* қадар улар жазавага тушиб бақиравердилар. Лекин на бир
садо бўлди, на бирорта аломат, на бир жавоб бўлди.
30 Илёс: “Менга яқинроқ келинглар”, — деб ҳамма одамларни чақирди. Халқ
Илёснинг ёнига келди. Шу пайт Илёс Эгамизнинг бузилган қурбонгоҳини қайта
тиклай бошлади. 31 Илёс ўн иккита тош олди. Бу тошлар Ёқубнинг ўғилларидан

келиб чиққан қабилаларни англатарди. Ёқубга Эгамиз: “Сенинг номинг Исроил бўлади” деган сўзларни аён қилган эди*. 32 Илёс ўша тошларни ишлатиб, Эгамизга атаб қурбонгоҳ қурди. Қурбонгоҳ атрофида бир тоғора* буғдой сиғадиган хандақ қазиди. 33 Сўнг ўтинларни қалаштирди, буқани нимталаб, ўтинлар устига қўйди.

— Тўртта кўзада тўлдириб сув олиб келинглар, — деди Илёс одамларга. — Сувни куйдириладиган қурбонликнинг ва ўтинларнинг устидан тўкинглар.

34 Кейин: “Яна такрорланглар!” деб буюрди Илёс одамларга. Одамлар яна тўрт кўза сув қуйдилар. “Учинчи марта ҳам такрорланглар!” — деди. Учинчи марта ҳам тўрт кўза сув қуйдилар. 35 Шунда қурбонгоҳнинг атрофида сув оқа бошлади, хандақ ҳам сувга тўлди.

36 Кечки қурбонлик пайти бўлганда, Илёс пайғамбар қурбонгоҳга яқин келиб, хитоб қилди:

— Эй Иброҳимнинг, Исҳоқнинг ва Ёқубнинг* Худоси — Эгамиз! Бугун Сенинг Исроилда Худо эканлигинг, мен эса Сенинг қулинг эканлигим аён бўлсин. Буларнинг ҳаммасини Сенинг амрингга биноан бажо қилганим аён бўлсин. 37 Менга жавоб бер, эй Эгамиз! Менга жавоб бер, мана бу халқ Сенинг Худо эканингни, уларнинг дилини Сен Ўзингга мойил қилувчи эканингни билсин.

38 Ўша заҳоти Эгамиз олов юборди. Олов куйдиришга аталган қурбонликни, ўтинларни, тошларни ва тупроқни ямламай ютиб юборди. Хандақдаги сувни ҳам олов тортиб кетди. 39 Бу ҳодисани кузатиб турган халқ юз тубан мук тушиб: “Эгамиз — Худодир, Эгамиз — Худодир”, — деди.

40 Шундан сўнг Илёс одамларга: “Баалнинг пайғамбарларини ушланглар, бирортаси ҳам қочиб кетмасин!” деб буюрди. Одамлар Баалнинг пайғамбарларини ушладилар. Илёс уларни Хишон дарёсига олиб тушиб, ўша ерда ўлдирди.

Қурғоқчилик тугайди

41 Шу воқеадан кейин Илёс Ахабга: “Бор, энди еб–ичавер, қаттиқ ёмғир ёғади, ёмғир яқинлашаётганини эшитяпман”, деди. 42 Ахаб тамадди қилиб олиш учун кетди. Илёс эса Кармилнинг тепасига чиқди. Пешанаси ерга теккудек чўккалаб ўтирди. 43 Кейин хизматкорига:

— Бор, денгиз томонга қара–чи, — деди. Хизматкор кетди.

— Ҳеч нарса йўқ экан, — деди у қайтиб келиб.

Илёс хизматкорига етти марта: “Денгизга қара!” деб буюрди. 44 Хизматкор еттинчи марта ҳам бориб қаради.

— Ана, денгиздан кичкина бир булут чиқиб келяпти, катталиги одамнинг кафтича келади, — деди у, ниҳоят.

Илёс хизматкорига буюрди:

— Тез бориб, Ахабга айт, аравасини қўшиб жўнасин. Тағин ёмғирда қолиб кетмасин.

45 Шу пайт бирдан осмонни қоп–қора булут қоплади, шамол эсиб, шиддат билан ёмғир ёға бошлади. Ахаб эса аравасига ўтириб, Йизрилга* йўл олди. 46 Эгамиз Илёсга алоҳида куч–қудрат ато қилди. У тўнининг этагини белига қистирди–да, Йизрилга қараб югуриб, Ахабдан илгарилаб кетди.

19–БОБ

Илёс Синай тоғида

1 Ахаб Илёс қилган ҳамма ишларни, барча пайғамбарларни қандай қилиб қиличдан ўтказганини Изабелга айтиб берди. 2 Изабел Илёсга чопар орқали шу

хабарни етказди: “Пайғамбарларнинг жонини қандай олган бўлсанг, эртага шу вақтда мен ҳам сенинг жонингни олмасам, худолар мени ҳар қандай жазога мубтало қилсин, ундан ҳам баттарроғига дучор қилсин.” 3 Илёс бу хабарни эшитди–ю, ўрнидан туриб, жонини қутқариш умидида Яҳудонинг Бершеба шаҳри* томон йўл олди. Хизматкорини ўша шаҳарда қолдириб, 4 ёлғиз ўзи чўлда бир кун йўл юрди. Ниҳоят, бир юлғун дарахти остига келиб ўтирди. Ўзига ўзи ўлим тилаб:

— Етар, эй Эгам! — деб хитоб қилди у, — энди жонимни ола қол. Ахир, ота–боболаримдан менинг ортиқ жойим йўқ.

5 Илёс юлғун остида ётиб ухлаб қолди. Бир пайт фаришта уни туртиб: “Тур, таом еб ол”, — деди. 6 Илёс туриб қараса, бош томонида иссиқ тош устида пишган нон, кўзада сув турибди. У еб–ичиб бўлиб, яна ётди.

7 Эгамизнинг фариштаси иккинчи дафъа қайтиб келди ва Илёсга тегиб: “Тур, таом еб ол, олдингда ҳали узоқ йўл турибди”, деди. 8 Илёс ўрнидан туриб еб–ичиб олди. Таомнинг қуввати билан қирқ кечаю қирқ кундуз йўл юриб, Худонинг тоғи Синайга* етиб келди. 9 Илёс Синай тоғидаги бир ғорга кириб, ўша ерда тунади. Бир пайт Эгамиз ундан: “Эй Илёс, бу ерларда нима қилиб юрибсан?” деб сўради.

10 — Эй Парвардигори Олам — Эгам, Сен учун кўп жон куйдирган эдим, — деди Илёс. — Чунки Исроил халқи Сен билан қилган аҳддан қайтди, қурбонгоҳларингни бузди, пайғамбарларингни қиличдан ўтказди. Эй Эгам, Сенинг пайғамбарларингдан ёлғиз мен қолдим, холос. Энди жонимни олиш учун мени ҳам қидириб юрибдилар.

11 — Чиқ, тоғда Менинг рўпарамда тур, ёнингдан ўтаман, — деди Эгамиз унга.

Эгамиз ўтаётганда, қудратли бўрон тоғларни ёриб, қояларни парча–парча қилиб ташлади, лекин Эгамиз бўрон ичида эмасди. Шамолдан сўнг зилзила бўлди, лекин Эгамиз зилзилада ҳам эмасди. 12 Зилзиладан сўнг эса аланга кўтарилди. Бироқ Эгамиз аланга ичида ҳам эмас экан. Алангадан кейин эса майин шабада товуши эшитилди. 13 Илёс бу товушни эшитиб, юзини чакмони билан беркитиб олди. Ташқарига чиқиб, ғорнинг оғзида турди. Шунда яна: “Илёс, бу ерда нима қилиб турибсан?” деган садо келди.

14 — Эй Парвардигори Олам — Эгам, мен Сен учун кўп жон куйдирган эдим, — деди Илёс. — Исроил халқи Сен билан қилган аҳддан қайтди, қурбонгоҳларингни бузди, пайғамбарларингни қиличдан ўтказди. Эгамнинг пайғамбарларидан ёлғиз мен қолдим, холос. Энди жонимни олиш учун мени ҳам қидириб юрибдилар.

15 Эгамиз унга айтди:

— Сен келган йўлингдан орқага қайт. Дамашқ яқинидаги саҳрога бор. У ерга борганингдан кейин, Хазайилнинг бошига мой сурт, у Орам юртининг шоҳи бўлсин. 16 Нимши ўғли Ёҳунинг* бошига ҳам мой сурт, у Исроилнинг шоҳи бўлсин. Овил–Махлалик Шофот ўғли Элишайнинг бошига ҳам мой сурт, у сенинг ўрнингга пайғамбар бўлади. 17 Хазайилнинг қиличидан қочиб қутулганни Ёҳу ўлдиради, Ёҳунинг қиличидан қочиб қутулганни Элишай ўлдиради. 18 Мен Исроил халқидан етти минг одамни қолдираман, улар Баал олдида тиз чўкмаган, бирортаси ҳам Баални ўпмаган.

Элишай

19 Илёс у ердан кетиб, Шофот ўғли Элишайни топди. У ўн икки жуфт ҳўкиз билан ер ҳайдаётганларнинг орасида бўлиб, ўн иккинчи жуфт ҳўкизни ҳайдаб кетаётган эди. Илёс Элишайнинг ёнидан ўтаётиб, чакмонини унинг устига ташлади*. 20 Элишай ҳўкизларини қолдириб, Илёснинг орқасидан югуриб борди.

— Ижозат бер, бориб, ота–онамни ўпиб хайрлашиб келай, кейин орқангдан

етиб бораман, — деди у Илёсга.

Илёс Элишайга деди:

— Бор, лекин мен сенга қилганимни ўйлаб кўр!

21 Элишай Илёснинг ёнидан қайтиб бориб, ўзининг бир жуфт ҳўкизини сўйди. Омоч–бўйинтуруқларини ёқиб, ҳўкизларнинг гўштини пиширириб, одамларга берди. Одамлар гўштни еб бўлгач, Элишай Илёснинг ортидан жўнади ва унга хизмат қила бошлади.

20–БОБ

Орам шоҳи билан уруш

1 Орам шоҳи Банҳадад* бутун лашкарини тўплади. Ўттиз иккита шоҳ ўз отлари, жанг аравалари билан унга мадад берди. Банҳадад Самарияни қамал қилиб, бу шаҳарга уруш бошлади. 2 Банҳадад шаҳарга — Исроил шоҳи Ахаб ҳузурига чопарлар жўнатиб, улар орқали шу хабарни етказди:

— Банҳадад айтмоқда: 3 “Сенинг олтин–кумушларинг, энг сара хотинларинг, ўғилларинг меники бўлади.”

4 — Сиз айтгандай бўла қолсин, шоҳ ҳазратлари, — деб жавоб йўллади Исроил шоҳи, — ўзим ҳам, менинг ҳамма нарсам ҳам сизникидир.

5 Банҳададнинг чопарлари яна қайтиб келиб, Ахабга шу хабарни етказдилар:

— Банҳадад айтмоқда: “Олтинингни, кумушингни, хотинларингни ва болаларингни менга берасан, деб сенга хабар берган эдим. 6 Эртага шу пайтда қулларимни жўнатаман: улар саройингни, аъёнларингнинг бошпанасини бирма–бир кўриб чиқиб, кўзингни қувнатиб турган қимматбаҳо ҳамма нарсаларингни олиб кетадилар.”

7 Исроил шоҳи юрт оқсоқолларини чақириб, уларга айтди:

— Ўйлаб бир қаранглар, у одам қандай ёмонликни ўйлаб топади–я. У хотинларимни, ўғилларимни, олтин–кумушларимни сўраб чопар жўнатганда, мен рад қилмагандим.

8 Ҳаммалари шоҳга:

— Қулоқ солманг унинг гапларига, рози бўлманг! — деб маслаҳат бердилар.

9 Шунда Исроил шоҳи Банҳададнинг чопарларига шу гапни айтди:

— Шоҳ ҳазратларига шундай деб етказинглар: мен унга олтинимни ҳам, кумушимни ҳам, ҳатто хотинларим ва болаларимни ҳам беришга тайёрман, лекин бундан ортиғига рози эмасман.

Чопарлар Банҳададга Ахабнинг шу гапини олиб келдилар. 10 Банҳадад Ахабга яна чопарларини жўнатиб, қуйидаги гапни етказди:

— Самарияни ер билан яксон қиламан, агар Самариянинг кули орқамда юрган мана шу одамларимнинг ҳар бирига бир ҳовучдан етиб ортиб қолса, худолар мени ҳар қандай жазога мубтало қилсин, ундан ҳам баттарроғига дучор қилсин.

11 Исроил шоҳи ҳам Банҳададнинг гапларига муносиб жавоб берди:

— Айтиб қўйинг, шоҳингиз совутини кийишдан олдин эмас, ечгандан кейин мақтансин.

12 Банҳадад иттифоқдош шоҳлар билан чодирда кайфу сафо қилиб ўтирган эди. У Ахабнинг гапини эшитиши биланоқ: “Шаҳарга ҳужум қилгани тайёрланинг!” деб амр берди. Унинг одамлари шу заҳоти шаҳарни қуршаб олди.

13 Ўша пайт Исроил шоҳи Ахабнинг олдига бир пайғамбар келиб, шу гапларни айтди:

— Эгам шундай демоқда: “Эй Ахаб, анави катта қўшинни кўряпсанми? Бугун

ўшаларни сенинг қўлингга бераман. Ана ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни биласан.”

14 — Ким орқали беради? — деб сўради Ахаб.

— Вилоят ҳокимларининг паҳлавонлари орқали бераман, деб айтмоқда Эгам, — гапида давом этди пайғамбар.

— Жангни ким бошлайди? — яна сўради Ахаб.

— Сен, — деди пайғамбар. 15 Ахаб вилоят ҳокимларининг паҳлавонларини чақирди: улар 232 та экан. Кейин Исроил лашкарининг ҳаммасини чақирди, улар 7000 киши чиқди.

16 Пешин вақтида Исроил лашкари ҳужум қилиб қолди. Банҳадад ва шоҳлар, яъни унга ёрдам бераётган ўттиз икки шоҳ чодирларда ичиб маст бўлиб ётган экан. 17 Исроил лашкари томонидан аввал вилоят ҳокимларининг паҳлавонлари чиқдилар. Банҳадад чопарлар жўнатган эди, чопарлар: “Самариядан одамлар чиқиб келяпти”, деб унга хабар етказдилар.

18 — Уларни тириклайин ушланглар! Сулҳ тузишга келишяптими, жанг қилишгами, фарқи йўқ! — деб амр берди Банҳадад.

19 Вилоят ҳокимларининг паҳлавонлари, уларнинг орқасидан эса лашкар шаҳардан чиқиб келиб, 20 ҳар бир Исроил жангчиси биттадан Орамлик душманини ўлдирди. Бундан саросимага тушган Орам лашкари қочиб қолди. Исроил лашкари эса уларни қувлаб кетди. Орам шоҳи Банҳадад от устида, отлиқлар билан бирга қочиб қутулди. 21 Исроил шоҳи келиб, отларни, жанг араваларини яксон қилиб ташлади. Шундай қилиб, Орам лашкари қаттиқ мағлубиятга учради.

22 Шундан кейин пайғамбар яна Исроил шоҳи ёнига келиб деди:

— Бор, яна куч тўпла, нима қилишингни кўриб–билиб ол. Янаги баҳорда Орам шоҳи сенга хавф солади.

Банҳадад яна ҳужум қилади

23 Айни пайтда Орам шоҳига ҳам аъёнлари уқтирдилар:

— Уларнинг худолари — тоғлар худоларидир. Шунинг учун бу сафар уларнинг қўли баланд келди. Агар улар билан текисликда жанг қилсак, албатта биз ғолиб келамиз. 24 Энди шоҳимиз шундай қилсинлар: ҳукмдорларнинг ҳаммасини вазифаларидан четлатсинлар. Уларнинг ўрнига лашкарбошиларини тайинласинлар. 25 Қанча лашкар, от, жанг араваси йўқотган бўлсалар, ўшанча лашкар, от, жанг аравалари тўплаб, қўшин ташкил қилсинлар. Кейин Исроил лашкари билан текисликда жанг қилиб, албатта уларни мағлуб этамиз.

Орам шоҳи аъёнларининг маслаҳатини инобатга олиб, улар айтгандай қилди.

26 Кейинги йил баҳорда Банҳадад Исроил билан уришиш учун отланди. У Орам лашкарини йиғиб, Офоқ шаҳрига* олиб чиқди. 27 Исроил лашкари ҳам йиғилиб, озиқ–овқат тўплади. Сўнг Орам лашкари билан жанг қилиш учун жўнаб кетди. Исроил лашкари Орам лашкарининг рўпарасида қароргоҳ қурди. Орам лашкари юртни босиб кетган, Исроил лашкари эса уларнинг олдида иккита кичкина эчки галасичалик келарди, холос.

28 Шунда пайғамбар Исроил шоҳи ёнига келиб, унга шу хабарни баён қилди:

— Эгам шундай айтмоқда: “Модомики, Орам лашкари, Исроил халқининг Эгаси текислик худоси эмас, тоғлар худосидир, деб айтаётган эканлар, Мен мана шу катта қўшиннинг ҳаммасини сенинг қўлингга бераман. Шунда Эгангиз Мен эканлигимни биласизлар.”

29 Бир–бири билан душманлашган иккала томон етти кун қароргоҳда кутиб ётдилар. Ниҳоят, еттинчи куни жанг бошланди. Исроил лашкари бир кунда Орам

лашкаридан 100.000 кишини қириб ташлади. 30 Қолганлари Офоққа — шаҳар
ичкарисига қочиб кирган эдилар, 27.000 тасини девор босиб қолди. Банҳадад ҳам
шаҳарга қочиб бориб, бир уйнинг энг ичкари хонасига кириб олди. 31 Аъёнлари
унга:
— Исроил шоҳлари раҳмдил шоҳлардир, деб эшитган эдик, — дедилар. —
Қани, энди эгнимизга қанор кийиб, бўйнимизга арқон боғлайлик–да*, кейин
Исроил шоҳи ҳузурига борайлик. Шояд у сизнинг бир қошиқ қонингиздан кечса.
32 Ҳамма аъёнлар эгниларига қанор кийиб, бўйинларига арқон боғлаб, Исроил
шоҳи ҳузурига келдилар.
— Қулингиз Банҳадад: “Ўтинаман, шоҳ мени ўлдирмасин”, деб илтижо
қиляпти, — дедилар.
— У ҳозир тирикми? Ахир, у менинг акам–ку! — деди Ахаб.
33 Бу одамлар бир аломат кутаётган эдилар. Унинг гапини дарров оғзидан
илиб олиб:
— Ҳа, Банҳадад — акангиз, — дедилар.
— Боринглар, уни олиб келинглар, — деб буюрди Ахаб.
Банҳадад Ахабнинг ёнига келди. Ахаб уни аравага ўтқазди.
34 — Менинг отам сенинг отангдан тортиб олган шаҳарларни қайтариб
бераман, — деди Банҳадад Ахабга. — Отам Самарияда бозорлар барпо қилган эди,
худди шу сингари, сен ҳам Дамашқда ўзинг учун бозорлар барпо қиласан.
— Сулҳ тузганимиздан кейин мен сени озод қиламан, — деди Ахаб ҳам ўз
навбатида. У Банҳадад билан сулҳ тузгач, Банҳададни озод қилди.

Бир пайғамбар Ахабга қарши гапиради

35 Пайғамбарлар гуруҳидан биттаси бошқасига:
— Мени ур! — деди. Пайғамбар Эгамизнинг амри бўйича иш тутаётган эди.
Лекин шериги пайғамбарни уришни истамади. 36 Пайғамбар шеригига шундай
деди:
— Модомики, сен Эгамизнинг амрига қулоқ солмадингми, энди кўрасан,
ёнимдан кетишинг биланоқ, сени шер ғажиб ташлайди.
У одам пайғамбарнинг ёнидан кетиб, шерга дуч келиб қолди. Шер уни
тилка–пора қилиб ташлади.
37 Пайғамбар бошқа бир одамни учратиб қолиб, унга ҳам:
— Мени ур! — деди. У одам пайғамбарни уриб, жароҳат етказди. 38 Пайғамбар
нарироқ бориб кўзларини ёпинчиқ билан тўсиб, қиёфасини ўзгартирди ва йўл
бўйида шоҳни кута бошлади. 39 Шоҳ ўтиб кетаётган эди, пайғамбар унга қараб
бақирди:
— Эй шоҳим, мен, қулингиз, жангга борган эдим. Қарангки, орқадан бир одам
менинг ёнимга бошқа одамни бошлаб келиб: “Бу асирни маҳкам ушла, қочиб
кетмасин, бошинг билан жавоб берасан ёки эвазига икки пуд* кумуш берасан”,
деди. 40 Мен, қулингиз, у–бу ишлар билан машғул бўлиб турганимда, асир ғойиб
бўлди.
— Сен ўзингга ўзинг ҳукм чиқариб қўйибсан–ку, — деди Исроил шоҳи
пайғамбарга.
41 Пайғамбар шу заҳоти кўзидан ёпинчиқни олди. Шоҳ билдики, у
пайғамбарлардан бири экан. 42 Пайғамбар шоҳга деди:
— Эгамиз шундай айтмоқда: “Модомики, Мен ўлимга маҳкум этган одамни сен
қўлингдан чиқариб юборган экансан, унинг жони эвазига сенинг жонингни
оламан, унинг халқи ўрнига сенинг халқингни жазолайман.”
43 Ғазабланган Исроил шоҳи хафаҳол уйига жўнаб, Самарияга етиб келди.

21–БОБ

Навўтнинг узумзори

1 Воқеалар кетидан воқеалар юз бераверди.
Йизрил шаҳрида, Самария шоҳи Ахабнинг саройи ёнида шу ерлик Навўт деган одамнинг узумзори бор эди.
2 — Узумзорингни менга бер, мен у ерни полиз қиламан, — деди Ахаб Навўтга. — Узумзоринг менинг уйимга яқин. Ўша жойнинг ўрнига мен сенга ундан ҳам яхшироқ узумзор бераман. Истасанг, баҳосини айт, кумуш берайин.
3 — Оталаримдан қолган меросни* сизга бераманми?! Худо сақласин, — деб жавоб қайтарди Навўт Ахабга.
4 Йизриллик Навўтнинг: “Оталаримдан қолган меросни сизга бераманми?!” деган гапидан Ахаб ғазабланди, хафаҳол уйига келди. Нон ҳам емай ўрингa кириб, тескари қараб ётаверди. 5 Хотини Изабел Ахабнинг ёнига келиб, ундан: “Нега руҳингиз тушкун, нон ҳам емадингиз?” деб сўради. 6 Ахаб бўлиб ўтган воқеани айтиб берди:
— Йизриллик Навўтга: “Узумзорингни менга сот, кумуш бераман, ёки истасанг унинг ўрнига сенга бошқа узумзор берай”, десам, у: “Узумзоримни сизга бермайман”, деб жавоб қилди.
7 — Сиз Исроил шоҳимисиз ўзи?! — деди Изабел Ахабга. — Туринг ўрнингиздан, нон–пон еб олинг. Кўнглингизни чоғ қилаверинг. Йизриллик Навўтнинг узумзорини сизга мен олиб бераман.
8 Изабел Ахаб номидан мактублар ёзди, Ахабнинг муҳри билан тасдиқлади. Мактубларни Навўт яшаётган шаҳарнинг оқсоқолларига, аслзодаларига юборди.
9 Мактуб қуйидаги мазмунда битилган эди:

> “Рўза эълон қилинглар. Халқни тўплаб, Навўтни тўрга — ҳаммага кўринадиган жойга ўтқазиб қўйинглар. 10 Унинг рўпарасига эса иккита ярамас одам ўтирсин. Улар: «Эй Навўт, сен Худони ва шоҳни ҳақорат қилдинг», деб Навўтни айбласинлар. Кейин уни ташқарига олиб чиқиб, тошбўрон қилиб ўлдиринглар.”

11 Навўт истиқомат қиладиган шаҳардаги одамлар, аслзодалар ва оқсоқоллар ҳаммасини Изабел буюрганидай қилдилар. 12 Аввал рўза эълон қилдилар. Кейин халқни тўплаб, Навўтга тўрдан жой бердилар. 13 Иккита* ярамас одам келиб, Навўтнинг рўпарасига ўтирди. Улар халқнинг олдида: “Навўт Худони ва шоҳни ҳақорат қилди*”, деб Навўтга айб қўйишди. Шундан сўнг Навўтни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, тошбўрон қилиб ўлдирдилар.
14 Оқсоқоллар ва аслзодалар: “Навўт тошбўрон қилиб ўлдирилди”, деб Изабелга хабар бердилар.
15 Изабел Навўтнинг тошбўрон қилиб ўлдирилганини эшитган замон Ахабга деди:
— Йизриллик Навўт узумзорини сизга кумушга ҳам сотмаган эди. Боринг энди, унинг ўша узумзорини ўзингизнинг мулкингизга қўшиб олинг. Навўт энди йўқ. У ўлибди.
16 Ахаб Навўтнинг ўлдирилганини эшитди–ю: “Тезроқ бориб, Йизриллик Навўтнинг узумзорини ўзимга мулк қилиб олай”, деб ҳаракатга тушди.
17 Ўша пайт Тишба шаҳридан бўлган Илёсга Эгамиз шу сўзларни аён қилган эди: 18 “Бор, Самарияда ўтирган Исроил шоҳи Ахабни кутиб олиш учун чиқ. У ҳозир Навўтнинг узумзорида, ўша узумзорни ўзига мулк қилиб олмоқчи бўлиб, у

ерга келди. 19 Ахабга шу гапларни етказ: «Эгам шундай айтмоқда: Навўтни
ўлдириб, унинг мулкини ўзингга олмоқчимисан?! Навўтнинг қонини кўппаклар
ялаган ерда сенинг қонингни ҳам кўппаклар ялайди.»”
20 — Ҳа, душманим, мени бу ерга ҳам топиб келдингми? — деди Ахаб Илёсга.
— Ҳа, топиб келдим, — деди Илёс, — сен Эгамиз олдида қабиҳликларга роса
муккангдан кетдинг. 21 Эгамизнинг гапи шундай: “Бошингга бало ёғдираман, сени
илдизингдан қуритаман. Исроилдаги сенга қарашли эркак зотини, хоҳ қул
бўлсин, хоҳ озод бўлсин, қириб ташлайман. 22 Исроилни гуноҳга ботириб, Мен,
Эгангни ғазаблантирганинг учун сенинг хонадонингни Набат ўғли Еробомнинг
хонадони кўйига, Охиё ўғли Башонинг хонадони кўйига соламан.” 23 Эгамиз
Изабел ҳақида ҳам айтди: “Йизрил девори ичкарисида Изабел кўппакларга ем
бўлар.” 24 Эй Ахаб, хонадонингдан бўлган одам шаҳарда ўлса кўппакларга ем
бўлар, қирда ўлса кўкдаги қушларга ем бўлар.
25 Шу пайтгача ҳеч ким Ахаб сингари, Эгамиз олдида қабиҳликларга
муккасидан кетмаган эди. Хотини Изабел эса уни гижгижлаб турар эди. 26 Ахаб,
Амор халқи сингари, бутларга эргашиб, кўп қабиҳликлар қилган эди. Амор
халқини эса гуноҳ ишлари учун Эгамиз у юртдан ҳайдаб, юртни Исроил халқига
берган эди.
27 Ахаб Илёснинг айтганларини эшитиб, қайғудан кийимларини йиртди, қанор
кийиб олди ва рўза тутди*. Ҳатто ухлаганда ҳам қаноpни ечмади, доимо ғамгин
юрди. 28 Шундан кейин Илёсга Эгамиз шу сўзларни аён қилди: 29 “Кўрдингми, Ахаб
тавба қилиб, Менинг олдимда қандай мўмин бўлиб қолди! У Менга итоат қилгани
учун ҳаёти давомида бошига бало келтирмайман. Ўғли шоҳ бўлгандан сўнг, унинг
хонадонига бало–қазо ёғдираман.”

22–БОБ

Михиё Ахабни огоҳлантиради

1 Орадан уч йил ўтди. Шу вақт оралиғида Орам билан Исроил ўртасида уруш
бўлмади. 2 Учинчи йили Яҳудо шоҳи Ёҳушафат Исроил шоҳи ҳузурига келди.
3 Исроил шоҳи аъёнларига деди:
— Гиладдаги* Рамўт бизники эканини биласизларми? Лекин биз бу шаҳарни
узоқ вақтдан буён Орам шоҳидан тортиб олмай, сукут сақлаб келяпмиз.
4 — Гиладдаги Рамўт учун жанг қилмоққа мен билан борасанми? — деб сўради
Ахаб Ёҳушафатдан.
— Мени гўё ўзинг деб бил, халқимни ўзингнинг халқинг деб, отларимни
ўзингнинг отларинг деб бил, — деди унга Ёҳушафат. 5 Ёҳушафат Исроил шоҳига
яна айтди:
— Аввал Эгамизнинг хоҳиш–иродасини бил–чи, У нима дер экан.
6 Исроил шоҳи тўрт юзга яқин пайғамбарни тўплаб улардан сўради:
— Гиладдаги Рамўт учун жанг қилмоққа борайми ёки бормайми?
— Бораверсинлар, Раббий у шаҳарни шоҳ ҳазратларининг қўлига беради.
7 — Бу ерда улардан бошқа Эгамизнинг бирорта пайғамбари қолмадими? Агар
бўлса, ундан ҳам сўраб кўрайлик, — деди Ёҳушафат.
8 — Яна бир киши бор, — деди Ахаб Ёҳушафатга, — Йимлонинг ўғли Михиё. У
орқали Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билсак бўлади. Лекин мен уни ёмон
кўраман, чунки у мен ҳақимда башорат қилса, хайрли гап айтмайди, ҳар доим
хунук гап айтади.
— Эй шоҳ, бундай деб айтма, — деди Ёҳушафат. 9 Исроил шоҳи мулозимини

чақириб:

— Тез бориб, Йимлонинг ўғли Михиёни олиб кел, — деб буюрди.

10 Исроил шоҳи Ахаб ва Яҳудо шоҳи Ёҳушафат шоҳлик либосларини кийиб, ҳар
қайсиси ўз тахтида Самария дарвозаси ёнидаги буғдой янчиладиган майдонда
ўтирар, ҳамма пайғамбарлар эса уларнинг рўпарасида туриб башорат қилаётган
эди. 11 Ханано ўғли Зидқиё темир шохлар ясаб, деди:

— Эгамиз: “Орам лашкарини қириб битирмагунингча, уларни шу шохлар
билан сузаверасан”, деб айтмоқда.

12 Бошқа пайғамбарлар ҳам шоҳга:

— Рамўтга бораверсинлар, албатта ғалаба қиладилар, Эгамиз ўша шаҳарни
шоҳимизнинг қўлларига беради, — деб башорат қилдилар.

13 Мулозим Михиёни чақириш учун кетди. У Михиёнинг олдига бориб, унга
деди:

— Қара, ҳозир ҳамма пайғамбарлар бир оғиздан шоҳга яхшиликдан башорат
қиляптилар. Сенинг башоратинг ҳам уларникидай бўлсин. Сен ҳам яхшиликдан
каромат қил.

14 — Худо ҳақи! Эгамиз менга нимани аён қилса, шуни айтаман, — деди Михиё.

15 Михиё шоҳ ҳузурига келди.

— Эй Михиё, мен Гиладдаги Рамўт шаҳрини қайтариб олиш учун жанг
қилмоқчиман. Рамўтга ҳужум қилайми ёки йўқми? — деб сўради шоҳ ундан.

— Ҳужум қилаверсинлар, албатта ғолиб келадилар, — деди Михиё. — Эгамиз
ўша шаҳарни шоҳ ҳазратларининг қўлига беради.

16 — Фақат ҳақиқатни айтишинг учун Эгамиз номини ўртага қўйиб, сенга неча
марта онт ичдирайин?! — деб шоҳ ундан яна сўради.

17 Михиё унга шундай жавоб берди:

— Исроил халқини кўриб турибман, улар тоғлар устида ёйилиб юрган
чўпонсиз қўйларга ўхшайди. Эгамиз менга деди: “Уларнинг хўжайини йўқ, ҳар
бири ўз уйига тинч–омон қайтиб кетсин.”

18 — У мен ҳақимда башорат қилганда хайрли гап айтмайди, балки хунук хабар
айтади, деб сенга айтмаганмидим?! — деб хафалигини изҳор қилди Ахаб
Ёҳушафатга.

19 — Ундай бўлса, Эгамизнинг сўзларини эшитсинлар, — деди Михиё Ахабга. —
Мен Эгамизни Ўзининг тахтида ўтирган ҳолатда кўрдим. Жамики самовий
мавжудотлар Унинг ўнг ва чап томонидан жой олган эди. 20 Эгамиз улардан
сўради: “Ахаб Гиладдаги Рамўт шаҳрига бориб, ўша ерда ҳалок бўлсин дея, ким
уни ўзига оғдира олади?” Бири ундай деди, бошқаси бундай деди. 21 Бир пайт
руҳлардан биттаси Эгамизнинг рўпарасида пайдо бўлди ва: “Уни мен
кўндираман”, деди. 22 “Қандай қилиб кўндирасан?” сўради Эгамиз. “Мен чиқиб,
ҳамма пайғамбарларнинг оғзида ёлғончи руҳга айланаман”, деди у. “Сен уни
кўндир, бор, айтганингдай қил, сен уддасидан чиқасан”, деди Эгамиз. 23 Мана
кўрдингизми, Эгамиз ҳамма пайғамбарларингизнинг оғзига ёлғончи руҳ солиб
қўйган. У бошингизга фалокат келтиришга қарор қилган.

24 Шу пайт Ханано ўғли Зидқиё Михиёнинг олдига келиб, унинг юзига бир
шапалоқ урди:

— Наҳотки Эгамизнинг Руҳи мени тарк этиб, сен билан гаплашгани кетган
бўлса?! Айт–чи, у қайси йўлдан кетди? — сўради Зидқиё.

25 — Қараб тур, сичқоннинг ини минг танга бўлиб, яширингани ичкари хонага
югурганингда кўрасан, — деди Михиё Зидқиёга.

26 — Михиёни ушланглар! — буюрди Исроил шоҳи. — Уни шаҳар ҳокими

Омоннинг ва шаҳзода Йўшнинг ҳузурига олиб боринглар. 27 Уларга менинг
амримни етказинглар. Улар Михиёни зиндонга ташлашсин. Мен соғ–саломат
қайтиб келгунимча, оз–моз нон–сув бериб турсин, холос.
28 — Эй халойиқ! Ҳаммангиз эшитиб қўйинг! Агар шоҳ ҳазратлари соғ–саломат
қайтиб келсалар, Эгамиз мен орқали гапирмаган бўлади, — деди Михиё.

Ахабнинг ўлими

29 Исроил шоҳи Ахаб билан Яҳудо шоҳи Ёҳушафат Гиладдаги Рамўт шаҳрига
кетишди.
30 — Мен қиёфамни ўзгартириб, жангга кираман, сен эса шоҳлик
либосларингни кийиб ол, — деди Ахаб Ёҳушафатга.
Ахаб қиёфасини ўзгартириб, жангга кирди. 31 Орам шоҳи ўттиз иккита жанг
аравалари қўмондонига: “Каттаси билан ҳам, кичиги билан ҳам жанг қилиб
ўтирманглар, асосий ҳужумни Исроил шоҳининг ўзига қаратинглар”, деб амр
берган эди. 32 Жанг аравалари қўмондонлари Ёҳушафатни кўргач: “Исроил шоҳи
ана шу!” деб ўйлаб унга ҳужум бошладилар. Лекин Ёҳушафат жангга даъват
қилиб бақирганда, 33 араваларнинг қўмондонлари билдиларки, у Исроил шоҳи
эмас экан. Қўмондонлар орқага қайтдилар. 34 Бир одам бехосдан ёйини тортиб
қўйиб юборган эди, ўқ тўппа–тўғри Исроил шоҳига келиб тегди. Шоҳнинг
устидаги совути уланган жойдан ўқ кириб кетган экан. Шоҳ оғир жароҳатланди.
— Отни орқага бур, мен жароҳатландим, лашкар орасидан мени олиб чиқиб
кет! — деди шоҳ извошчисига.
35 Ўша куни ғоятда шиддатли жанг бўлди. Шоҳ эса араваси устида суяниб Орам
лашкарини кузатиб турди. Ўқ теккан жойдан аравaнинг ичига қон оқарди. Кечга
томон бориб шоҳ қазо қилди. 36 Кунботар пайтида лашкар орасида: “Ҳар ким ўз
шаҳрига, ўз юртига кетаверсин!” деган овоза тарқалди.
37 Шоҳнинг жасадини Самарияга олиб келиб, ўша ерда дафн қилдилар.
38 Аравани эса Самариядаги ҳовузда ювдилар. Фоҳишалар ҳам шу ерда
ювинишарди. Эгамизнинг айтгани* бўлди: кўппаклар унинг қонини ялади.
39 Ахабнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти, фил суягидан қурган саройи,
ҳамма мустаҳкам қилган шаҳарлари ҳақида “Исроил шоҳлари тарихи” китобида
ёзилган. 40 Ахаб оламдан ўтди. Унинг ўрнига ўғли Охозиё шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Ёҳушафат

41 Исроил шоҳи Ахаб шоҳлик қилаётганига тўрт йил бўлганда, Ёҳушафат
Яҳудога шоҳ бўлган эди. Ёҳушафат Осонинг ўғли эди. 42 Ўшанда Ёҳушафат ўттиз
беш ёшда эди. У Қуддусда йигирма беш йил шоҳлик қилди. Онаси Озиба
Шилхининг қизи эди.
43 Ёҳушафат отаси Осонинг йўлидан юрди. Йўлдан озмай, Эгамиз олдида тўғри
ишлар қилди. Лекин саждагоҳларни йўқ қилиб ташламади. Халқ ҳамон ўша
жойларда қурбонлик қилиб, тутатқи тутатарди. 44 Ёҳушафат Исроил шоҳи билан
сулҳ тузди. 45 Ёҳушафатнинг бошқа ишлари, кўрсатган қаҳрамонликлари, қандай
жанг қилгани “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 46 Отаси Осо давридан
қолган–қутган саждагоҳлардаги фоҳишларни* Ёҳушафат юртдан қувиб чиқарди.
47 Бу пайтда Эдомда шоҳ йўқ эди, шоҳнинг ноиби юртни бошқарарди.

Ёҳушафатнинг кемалари

48 Ёҳушафат: “Офирдан олтин олиб келаман” деб, денгизда савдо кемалари
ясади, лекин Эзйўн–Геберга* борганда, кемалар парчаланиб, Офирга ета олмади.
49 Ўшанда Исроил шоҳи Охозиё Ёҳушафатга: “Менинг одамларим сенинг
одамларинг билан бирга кемада кетсин”, деган, лекин у рози бўлмаган эди.

50 Ёҳушафат оламдан ўтди. У ҳам бобоси Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига
дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Ёҳурам шоҳ бўлди.

Исроил шоҳи Охозиё

51 Ёҳушафат Яҳудода шоҳлик қилаётганига ўн етти йил бўлганда, Охозиё
Исроилга шоҳ бўлди. Охозиё Ахабнинг ўғли эди. У Самарияда истиқомат қиларди.
У икки йил Исроил шоҳи бўлди. 52 Охозиё Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди.
Ота–онасининг йўлидан, Исроилни гуноҳга ботирган Набат ўғли Еробомнинг
йўлидан кетди. 53 Охозиё Баалга хизмат қилиб, унга топинди. Исроил халқининг
Худоси — Эгамиз унинг қилмишларидан қаттиқ ғазабланди. Бинобарин, отаси
ҳам Эгамизнинг қаҳрини келтирган эди.

ИЗОҲЛАР

1:1 *...анча қариб қолди* — тахминан 70 ёшларда эди.

1:3 *Шунам* — Жалила кўлининг жанубий қирғоғидан қарийб 26 километр жануби–шарқда жойлашган шаҳар.

1:5 *"Мен шоҳ бўламан"* — Абсаломнинг ўлимидан кейин Довуднинг тўнғич ўғли бўлиб қолган Одониё тахтга даъвогар эди. Ўша давр одатига кўра тўнғич ўғиллар тахт вориси бўлишарди.

1:9 *Эн–Рўғол булоғи* — Қуддусдан жануби–шарқда, Қидрон сойлигида жойлашган.

1:9 *...қурбонлик қилиб...таклиф қилди* — Одониё тахтга даъвогарлигини байрам қилиб нишонлаган.

1:33 *Гихўн булоғи* — Эн–Рўғол булоғининг яқинида, булоқнинг шимолида жойлашган (шу бобнинг 9, 41–оятларига қаранг). Бу булоқ Қуддуснинг асосий сув манбаи эди.

1:35 *Исроил ва Яҳудо* — бу оятда "Исроил" деган ном шимолий қабилалардан ташкил топган халққа нисбатан ишлатилган, "Яҳудо" номи эса жанубий қабилалардан ташкил топган халққа нисбатан ишлатилган. Довуднинг ўғли Сулаймон ҳам, Довуд сингари, барча қабилалар устидан ҳукмронлик қилган.

1:38 *Харетлик ва Палатлик қўриқчилар* — Довуд ёллаган бу муҳожир сипоҳлар шоҳнинг шахсий қўриқчилари бўлиб хизмат қилган.

1:39 *чодир* — Қуддусда Аҳд сандиғини вақтинча қолдириш учун Довуд ўрнаштирган чодир (2 Солномалар 1:2-6 га қаранг). Бу пайтда Қуддусдаги Маъбад ҳали қурилмаган, Муқаддас чодир Гивондаги саждагоҳда эди.

1:39 *қўчқор шохи* — ҳайвоннинг ишлов берилган шохларидан баъзан идиш сифатида фойдаланилган.

1:50 *...қурбонгоҳнинг бурчагидан маҳкам ушлаб олди* — қурбонгоҳнинг тўртала бурчагининг учи ҳайвон шохи шаклида ясалган эди. Қурбонгоҳ муқаддас ҳисобланган учун, унинг шохини ушлаб турган одамни ўлдириб бўлмас эди.

2:5 *У Исроилнинг иккита лашкарбошисини...қон тўкди* — 2 Шоҳлар 3:22-27, 20:7-10 га қаранг.

2:6 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

2:7 *Чунки...улар менинг олдимда ҳозиру нозир бўлишди* — 2 Шоҳлар 17:27-29 га қаранг.

2:8 *Моханайимга қочиб ўтаётганимда, у мени ёмон қарғаган эди* — 2 Шоҳлар 16:5-13 га қаранг.

2:8 *Лекин кейинроқ...онт ичиб, унга: "Сени ўлдирмайман", деган эдим* — 2 Шоҳлар 19:16-23 га қаранг.

2:15 *...мен шоҳ бўлишим керак эди* — Одониё Сулаймондан катта эди (шу бобнинг 22–оятига қаранг).

2:19 *шоҳнинг ўнг томони* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

2:26 *Онотўт* — Қуддусдан қарийб 5 километр шимоли–шарқда жойлашган левиларга қарашли шаҳар (Ёшуа 21:1-3, 18 га қаранг).

2:27 *Шундай қилиб, Эгамизнинг…айтган сўзлари бажо бўлди* — 1 Шоҳлар 2:27-36 га қаранг. Абуатар Элахнинг кичик ўғли Финхазнинг эвараси эди.

2:28 *…қурбонгоҳнинг бурчагидан ушлаб олди* — 1:50 изоҳига қаранг.

2:32 *Абнур…Эмоса* — 2 Шоҳлар 3:22-27, 20:7-10 га қаранг.

2:37 *Қидрон сойлиги* — Қуддус шаҳридан шарқда жойлашган.

2:39 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

3:2 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди. Баъзи бир пайтларда одамлар мана шу маҳаллий саждагоҳларда Эгамизга сажда қилардилар.

3:4 *Гивон* — Қуддусдан қарийб 6 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар. Ўша даврда Муқаддас чодир Қуддусда жойлашган эди (2 Солномалар 1:2-6 га қаранг).

3:15 *Эгамизнинг Аҳд сандиғи* — ўша даврда Аҳд сандиғи Қуддус шаҳрида, Довуд томонидан ўрнатилган махсус чодирда сақланар эди (2 Шоҳлар 6:12-17 га қаранг).

4:11 *Нафўт–Дўр* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Нафат–Дўр*.

4:19 *Яҳудо юртининг ўз ҳукмдори бор эди* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Яҳудо* сўзи йўқ.

4:22 *300 тоғора* — ибронийча матнда *30 кор*, тахминан 6,6 тоннага тўғри келади.

4:22 *600 тоғора* — ибронийча матнда *60 кор*, тахминан 13 тоннага тўғри келади.

4:26 *4000* — қадимий юнонча таржимадан (яна 2 Солномалар 9:25 га қаранг). Ибронийча матнда *40.000*.

4:28 *…шоҳ тайинлаган ерга…* — ёки *…шоҳ Сулаймон турган жойга….*

5:1 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий ҳудудини ташкил қилади.

5:1 *Хирам Довудни доимо ўзига дўст деб биларди* — 2 Шоҳлар 5:11-12 га қаранг.

5:9 *сол* — бир–бирига боғланиб, дарёда оқизиладиган ёғочлар. Ёғочни узоқ масофага олиб бориш учун энг қулай усул сол оқизиш бўлган.

5:11 *200.000 тоғора* — ибронийча матнда *20.000 кор*, тахминан 4400 тоннага тўғри келади.

5:11 *40.000 кўза* — қадимий юнонча таржимадан. Ўша таржимада *20.000 бат* деб ёзилган, тахминан 440.000 литрга тўғри келади (яна 2 Солномалар 2:10 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг). Ибронийча матнда *20 кор*, тахминан 4400 литрга тўғри келади.

5:18 *Габол* — Ўрта ер денгизи бўйидаги Финикияга қарашли шаҳар бўлиб, Сидон шаҳридан шимолда жойлашган эди.

6:1 *…Сулаймон Исроил тахтига ўтирганига тўрт йил бўлган эди* — тахминан милоддан олдинги 960 йил.

6:1 *Зив ойи* — иброний календарининг иккинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу

ой тахминан апрелнинг ўртасидан бошланади.

6:2 *тирсак* — бир тирсак тахминан 45 сантиметрга тўғри келади. Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбаднинг расми луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган.

6:3 *асосий хона* — яъни Муқаддас хона.

6:20 *Садр ёғочидан ясалган тутатқи қурбонгоҳини ҳам олтин билан қоплатди* — ёки *Тутатқи қурбонгоҳини садр ёғочи билан қоплатди*.

6:23 *иккита каруб* — қанотли самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

6:31 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

6:37 *Зив ойи* — шу бобнинг 1–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

6:38 *Бул ойи* — иброний календарининг саккизинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан октябрнинг ўртасидан бошланади.

7:2 *“Лубнон ўрмони” деган уй* — саройдаги тантаналар ўтказиладиган катта зал. Зал Лубнон тоғларидаги ўрмондан келтирилган садр тахталари билан қопланган учун шундай деб номланган бўлиши мумкин.

7:2 *тирсак* — бир тирсак тахминан 45 сантиметрга тўғри келади.

7:5 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

7:18 *анор* — қадимги пайтларда ҳаёт рамзи эди.

7:21 *Ёхин* — бу ном ибронийчадаги *У* (яъни Худо) *асос солган* иборасига оҳангдош.

7:21 *Бўаз* — бу ном ибронийчадаги *Унинг* (яъни Худонинг) *кучи воситасида* иборасига оҳангдош.

7:26 *4000 кўза* — ибронийча матнда *2000 бат*, тахминан 44.000 литрга тўғри келади.

7:34 *кашак* — иморат ва бошқа қурилиш ишларида тик ёки ётқизиб қўйилган ёғочни қимирламайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун қоқиб қўйиладиган ёғоч, тирговуч.

7:38 *80 кўза* — ибронийча матнда *40 бат*, тахминан 880 литрга тўғри келади.

7:48 *муқаддас нонлар* — бу нонлар Маъбадда Эгамизнинг ҳузурини акс эттирувчи тимсол бўлиб, Худо Исроил халқининг қудрати ва таъминловчиси эканлигидан дарак бериб турган. Нонлар Маъбаддаги махсус хонтахтага қўйилиб, ҳар Шаббат куни янги пиширилган нонлар билан алмаштириб турилган (Левилар 24:5-9 га қаранг).

8:1 *...Довуд қалъасидан...* — 2 Шоҳлар 6:12-17 га қаранг.

8:2 *Етаним ойи* — иброний календарининг еттинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

8:2 *Чайла байрами* — бу байрам кузда йиғим–терим тугаган пайтга тўғри келади.

8:4 *Учрашув чодири* — Муқаддас чодирнинг яна бир номи. Ўша даврда Учрашув чодири Қуддусдан қарийб 6 километр шимоли–ғарбда — Гивонда жойлашган эди (2 Солномалар 1:2-6 га қаранг). Аҳд сандиғи эса Қуддус шаҳрида, Довуд томонидан ўрнатилган махсус чодирда сақланар эди (2 Шоҳлар 6:12-17 га қаранг).

8:8 *...бугунгача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

8:9 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

8:16 *Эгамиз отамга шундай деган эди...* — 2 Шоҳлар 7:1-16 га қаранг.

8:37 *гармсел* — ҳосилга катта зиён келтирадиган иссиқ шамол.

8:37 *чигиртка* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

8:65 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

8:65 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна Ибтидо 15:18, Саҳрода 34:5 ва Ёшуа 13:3, 15:4, 47 га қаранг).

8:65 *Чайла байрами* — шу бобнинг 2–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

8:66 *Чайла байрамидан кейин...* — ибронийча матнда *Саккизинчи кунида...*, Чайла байрамининг еттинчи кунидан кейинги биринчи кун.

9:2 *...илгари Гивонда зоҳир бўлганидай...* — 3:5-6 га қаранг.

9:5 *Отанг Довудга...ваъда берган эдим* — 2 Шоҳлар 7:12-16 га қаранг.

9:13 *Кавул* — бу сўз ибронийчадаги *кебал*, яъни *қадрсиз* сўзи каби талаффуз қилинган.

9:14 *250 пуд* — ибронийча матнда *120 талант*, тахминан 4 тоннага тўғри келади.

9:15 *Қуддуснинг шарқ томонидаги Милло* — Қуддус шаҳри тепалик устида эди. Бу тепаликнинг шарқ томони ўпирилиб кетгани учун уни тузатиш шарт бўлган. Тепаликнинг ўпирилиб кетган жойи тупроқ билан тўлдирилган, кенгайтирилган ва мустаҳкамланган эди. Тепаликнинг бу қисми Милло деб аталарди.

9:18 *Тамар* — ибронийча матндан. Баъзи иброний қўлёзмаларида *Тадмўр*.

9:21 *...бугунгача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

9:22 *акобир* — шоҳ саройидаги юқори мартабали одам, амалдор.

9:24 *Қуддуснинг шарқ томонидаги Милло* — шу бобнинг 15–ояти изоҳига қаранг.

9:26 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади.

9:28 *Офир юрти* — Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган бўлиши мумкин. Офир олтини энг сифатли олтин ҳисобланган.

9:28 *900 пуд* — ибронийча матнда *420 талант*, тахминан 14 тоннага тўғри келади.

10:1 *Шава* — бу юрт Арабистон ярим оролининг жануби–ғарб томонида бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

10:5 *соқий* — шоҳга ўз қўли билан шароб қуядиган, саройда юқори мартабага эга бўлган, ишончга лойиқ аъён. Шунингдек, у шоҳ учун шароб танлаши ва уни татиб кўриб, заҳарли эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак эди.

10:5 *баковул* — саройда шоҳ учун тайёрланадиган махсус таомни татиб кўрувчи ва овқат тайёрлаш ишларини назорат қилувчи мансабдор шахс.

10:10 *250 пуд* — ибронийча матнда *120 талант*, тахминан 4 тоннага тўғри келади.

10:14 *1425 пуд* — ибронийча матнда *666 талант*, тахминан 23 тоннага тўғри келади.

10:16 *ярим пуд* — ибронийча матнда *олти юз шақал*, тахминан 8,5 килога тўғри келади.

10:17 *400 мисқол* — ибронийча матнда *3 мина*, тахминан 1,7 килога тўғри келади.

10:17 *“Лубнон ўрмони” деган уйи* — 7:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

10:22 *турли–туман маймунлар* — ёки *маймунлар ва товуслар*.

10:27 *шикамора–анжир дарахти* — анжирнинг қадимги Яқин Шарқда кенг тарқалган бир тури. Катталиги ёнғоқ дарахтидай, барглари эса тут баргларига ўхшаш бўлиб, йил давомида бир неча бор ҳосил берадиган серсоя дарахт.

10:28 *Миср* — ёки *Музур*, Қувега ёндош бўлган ҳудуд (шу бобнинг 29–оятида ҳам бор). Бу иккала ҳудуд ҳозирги Туркиянинг жануби–ғарбида жойлашган бўлиб, шоҳ Сулаймон даврида йилқичиликнинг маркази эди.

10:29 *600 кумуш танга* — ибронийча матнда *600 шақал кумуш*, тахминан 7 килога тўғри келади.

10:29 *150 кумуш танга* — ибронийча матнда *150 шақал кумуш*, тахминан 1,7 килога тўғри келади.

11:3 *канизак* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: чўри бўлган бу аёллар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

11:5 *Мўлах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Милком* (шу бобнинг 33–оятида ҳам бор).

11:13 *битта қабила* — шу бобнинг 32–ояти изоҳига қаранг.

11:24 *Довуд Зўволикларни қиргач...* — 2 Шоҳлар 8:3-6 га қаранг.

11:26 *Заридо шаҳри* — Қуддусдан қарийб 45 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

11:27 *Қуддуснинг шарқ томонидаги Милло* — 9:15 изоҳига қаранг.

11:28 *Юсуф қабиласи* — бу ерда Эфрайим ва Манаше қабилалари ҳақида айтилган. Улар Юсуфнинг иккала ўғлининг авлодлари эди.

11:31 *ўнта қабила* — қуйидаги қабилаларга ишора: Рубен, Шимўн, Дан, Нафтали, Гад, Ошер, Иссахор, Забулун, Эфрайим ва Манаше. Юсуфнинг икки ўғлидан келиб чиққан Эфрайим ва Манаше қабилалари алоҳида–алоҳида қабилалар ҳисобланган, уларнинг ўзига қарашли ерлари бўлган (Ёшуа 17:14-18 га қаранг). Леви қабиласига эса ер улуш қилиб берилмаган (Ёшуа 13:14, 33, 14:3-4 га қаранг). Шимўн қабиласига берилган ер Яҳудо қабиласи ҳудудида жойлашган эди (Ёшуа 19:1-9 га қаранг). Шоҳлар даврига келиб, Шимўн қабиласига қарашли ерлар Яҳудо қабиласининг ерларига қўшилиб кетган эди. Шимўн қабиласи у ерларда яшамасди.

11:32 *битта қабила* — Яҳудо қабиласига ишора. Яҳудо қабиласи Довуднинг набираси бўлган Рахабомга содиқ қолган эди, вақти келиб, Бенямин қабиласи ҳам уларга қўшилиб, Рахабомга содиқлик кўрсатдилар (12:20-24 га қаранг).

11:33 *Сулаймон* — қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Улар*.

11:37 *Исроил* — шимолий қабилалардан ташкил топган халқ назарда тутилган.

12:1 *Шакам шаҳри* — шимолдаги қабилаларга қарашли асосий шаҳар (Ёшуа 24:1 га қаранг). Бу шаҳар Қуддусдан қарийб 50 километр шимолда, Исроил тепаликларида жойлашган.

12:1 *Исроил* — 11:37 изоҳига қаранг.

12:2 *...Мисрдан қайтди* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан (яна 2 Солномалар 10:2 га қаранг). Ибронийча матнда *...Мисрда яшади*.

12:15 *...Шилўлик Охиё орқали...Еробомга берган сўзи...* — 11:29-39 га қаранг.

12:18 *Одонирам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Одорам*. Унинг Одонирам деган шакли 4:6, 5:14 дан олинган.

12:20 *Исроил* — шу китобнинг давомида шимолий шоҳлик *Исроил* деган ном билан, жанубий шоҳлик эса *Яҳудо* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

12:25 *Паниёл* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Панувал* бўлиб, Гиладда, Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

12:28 *худоларингиз* — ёки *худойингиз*. Чиқиш 32:2-4 га қаранг.

12:29 *Байтил шаҳри...Дан шаҳри* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг жанубий ва шимолий чегарасидаги шаҳарлар.

12:30 *...Байтилга ва Данга борарди* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *...Данга борарди*.

12:31 *саждагоҳлар* — 3:2 изоҳига қаранг.

12:32-33 *Яҳудода нишонланадиган байрам* — еттинчи ойнинг ўн бешинчи куни Яҳудода бўладиган машҳур Чайла байрами (8:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

12:32-33 *саккизинчи ой* — иброний календарининг Бул ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан октябрнинг ўртасидан бошланади.

13:2 *Йўшиё* — Яҳудо шоҳи Йўшиё, милоддан олдинги 640-609 йилларда ҳукмронлик қилган (4 Шоҳлар 22:1-23:30 га қаранг).

13:32 *Самария* — бу воқеадан кейин тахминан 50 йил ўтгач, Самария шаҳри қурилган (16:23-24 га қаранг). Анча вақт ўтгандан кейингина Исроилга, яъни шимолий шоҳликка Самария номи берилган (4 Шоҳлар 17:24 га қаранг).

14:2 *...Исроил халқининг шоҳи бўлишим ҳақида у башорат қилган эди* — 11:29-39 га қаранг.

14:15 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

14:17 *Тирза* — Шакамдан қарийб 10 километр шимоли–шарқда жойлашган (12:1 нинг биринчи изоҳига қаранг). Самария қурилгунга қадар бу шаҳар Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти эди (16:24 га қаранг).

14:23 *саждагоҳлар* — 3:2 изоҳига қаранг.

14:24 *фоҳишлар* — ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан

фаровонлик ато қилишни сўрардилар. Лекин Эгамиз Исроил халқига бу йўл билан сажда қилишни қатъиян ман этган (Қонунлар 23:17-18 га қаранг).

14:25 *Рахабом ҳукмронлигининг бешинчи йили* — тахминан милоддан олдинги 926 йил.

14:31 *Абиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Абуём* (15:1, 7, 8 да ҳам бор).

15:2 *Абсалом* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Абисалом* (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор). Унинг Абсалом деган шакли 2 Солномалар 11:20 дан олинган.

15:2 *Абсаломнинг қизи* — Махо Абсаломнинг невараси бўлган. 2 Шоҳлар 14:27 га кўра, Абсаломнинг ёлғиз қизи Тамара эди. 2 Солномалар 13:2 да Махо Уриёлнинг қизи деб берилган.

15:5 *Уриё* — Довуднинг сипоҳи эди. Шоҳ Довуд унинг хотини Ботшевага уйланиш ниятида Уриёни ўлдиртирган (2 Шоҳлар 11:1-27 га қаранг).

15:12 *фоҳишлар* — 14:24 изоҳига қаранг.

15:13 *Бувиси* — ибронийча матнда *Онаси*, бироқ бу сўз бувисига ёки бошқа узоқ она аждодига ҳам ишора қилиши мумкин. Шу бобнинг 2–оятига кўра, Махо Осонинг бувиси, яъни Осонинг отаси Абиёни туққан онаси эди.

15:13 *Ашера* — 14:15 изоҳига қаранг.

15:13 *маликалик мартабаси* — қадимги Исроилда юксак мартаба ҳисобланган (2:19 га қаранг).

15:13 *Қидрон сойлиги* — Қуддус шаҳридан шарқда жойлашган. Сойлик — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

15:17 *Рама шаҳри* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда, Эфрайим қирларида жойлашган.

15:20 *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет*, ўша вақтда Жалила кўли ва унинг атрофидаги ерлар шу ном билан ҳам аталарди.

15:29 *Охиё* — у шу бобнинг 27–оятидаги Охиёдан бошқа одам.

15:29 *...Эгамизнинг Ўз қули, Шилўлик Охиё орқали айтган сўзлари...* — 14:7-11 га қаранг.

16:24 *тўрт пуд* — ибронийча матнда *икки талант*, тахминан 68 килога тўғри келади.

16:31 *Сидон* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу шаҳар Ливан мамлакатининг жанубий ҳудудини ташкил қилади.

16:33 *Ашера* — 14:15 изоҳига қаранг.

16:34 *Эгамизнинг...Ёшуа орқали қилган башорати...* — Ёшуа 6:25 га қаранг.

16:34 *...жони эвазига...жони эвазига...* — бу ибора Хиёлнинг ўғиллари Ёшуанинг айтган лаънати туфайли ўлганлигига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Ёки шаҳарни қайта қураётган пайтда маҳаллий худолардан мадад сўраб, уларнинг ҳимояси остида бўлиш учун Хиёл ўз ўғилларини ўша худоларга қурбонлик қилганига ҳам ишора қилаётган бўлиши мумкин.

17:1 *Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ўлка.

17:1 *...на шудринг тушади, на ёмғир ёғади* — об–ҳавони назорат қилувчи Баал эмас (16:31-32 га қаранг), балки Исроил халқининг Худоси — Эгамиз эканлигини исботлаш учун айтилган.

17:9 *Зорафат шаҳри* — Сидондан (16:31 изоҳига қаранг) қарийб 15 километр жанубда жойлашган.

17:18 *Худонинг одами* — Эгамиз пайғамбарининг яна бир номи.

17:18 *Сиз гуноҳларимни Худога эслатгани...келибсиз–да?!* — қадимда одамлар, агар гуноҳ қилсак, бошимизга кулфат келади, деб ишонишган.

18:19 *Ашера* — 14:15 изоҳига қаранг.

18:20 *Кармил тоғи* — Исроилнинг шимолида, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

18:29 *Кечки қурбонлик пайти* — тахминан кундузи соат 3 га тўғри келади (шу бобнинг 36–оятида ҳам бор).

18:31 *Ёқубга Эгамиз...аён қилган эди* — Ибтидо 32:28, 35:10 га қаранг.

18:32 *бир тоғора* — ибронийча матнда *икки сеха*, тахминан 15 килога тўғри келади.

18:36 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

18:45 *Йизрил* — Кармил тоғидан қарийб 27 километр жануби–шарқда жойлашган шаҳар.

19:3 *Бершеба шаҳри* — Яҳудонинг энг жанубидаги шаҳар, Йизрилдан қарийб 210 километр жанубда жойлашган.

19:8 *Синай* — ибронийча матнда *Хорев*, Синай тоғининг яна бир номи.

19:16 *Нимши ўғли Ёҳу* — аслида Ёҳу Нимшининг набираси эди (4 Шоҳлар 9:2 га қаранг). Ибронийчада *ўғил* сўзи *насл* маъносида ҳам ишлатилади.

19:19 *...чакмонини унинг устига ташлади* — бу ҳаракат Илёс Элишайни ўзига эргаштириб, пайғамбар бўлишга чорлаётганининг белгиси эди.

20:1 *Банҳадад* — 15:18-20 да айтиб ўтилган Банҳадад бўлмай, унинг вориси бўлиши мумкин.

20:26 *Офоқ шаҳри* — Жалила кўлининг шарқ томонида жойлашган бўлиши мумкин.

20:31 *...эгнимизга қанор кийиб, бўйнимизга арқон боғлайлик–да...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанор кийиб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Бўйинга арқон боғлаш эса қулларча бош эгишнинг рамзи эди. Бу билан улар Ахабга асир бўлишга ҳам розилик билдираётган эдилар.

20:39 *икки пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

21:3 *Оталаримдан қолган мерос...* — Мусонинг қонунига кўра, ер дастлабки эгасининг авлодларига мулк бўлиб қолар эди.

21:13 *Иккита* — қонунга кўра айбни тасдиқлаш учун камида иккита гувоҳ талаб қилинарди (Қонунлар 17:6-7 га қаранг).

21:13 *...Худони...ҳақорат қилди* — Худони ҳақорат қилиш оғир жиноят бўлиб, жазоси ўлим эди (Чиқиш 22:28, Левилар 24:10-16 га қаранг).

21:27 *...қайғудан кийимларини йиртди, қанор кийиб олди ва рўза тутди* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Кийимларни йиртиш, қанор кийиб олиш ва рўза тутиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

22:3 *Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ўлка.

22:38 *...Эгамизнинг айтгани...* — 21:19 га қаранг.

22:46 *фоҳишлар* — 14:24 изоҳига қаранг.

22:48 *Эзйўн–Гебер* — Синай ярим оролининг шарқида, Қизил денгизнинг шимолий қирғоғидаги бандаргоҳ (9:26 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

ШОҲЛАР
(ТЎРТИНЧИ КИТОБ)

Кириш

“Шоҳлар (тўртинчи китоб)”да икки мустақил шоҳлик — Яҳудо ва Исроил шоҳликлари тарихининг давоми баён этилади. Ҳукмронлик қилган шоҳларнинг муваффақияти уларнинг сиёсий ёки иқтисодий ютуқлари билан эмас, балки Худога бўлган садоқати билан баҳоланади. Бу китобда “Шоҳлар (учинчи китоб)” билан бирга Яҳудо ва Исроил тарихининг фақат эътиборга сазовор бўлган муайян воқеалари ва шахслари ҳақида сўз юритилади. Бундан мақсад — тарихда таназзулга юз тутган иккала шоҳликнинг қисмати тўғрисида ҳикоя қилиш орқали китобхонга ахлоқ борасида сабоқ беришдир. Бу иккала шоҳликнинг аҳолиси пайғамбарларга қулоқ солмай, Худодан юз ўгирганлари учун душманларга мағлуб бўлиб, ўз юртларидан сургун қилинади.

“Шоҳлар (учинчи китоб)” ва “Шоҳлар (тўртинчи китоб)”нинг асл нусхаси битта ибронийча китоб бўлиб, иккала қисмини битта ўрамга жойлаш узунлик қилгани учун, китоб икки қисмга — “Шоҳлар (учинчи китоб)” ва “Шоҳлар (тўртинчи китоб)”га бўлинган.

Китоб асосан, икки қисмдан иборат. Биринчи қисм (1-17–боблар) милоддан олдинги 722 йилгача иккала шоҳликда юз берган воқеаларни ўз ичига олади. Оссурия шоҳлиги Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олиб, пойтахти Самарияни йўқ қилади. Фақат Яҳудо, яъни жанубий шоҳлик қолади.

Китобнинг иккинчи қисми (18-25–боблар) Яҳудо шоҳлигида милоддан олдинги 586 йилгача юз берган воқеалар баёнидан иборат. Бобил шоҳи Навухадназар Яҳудо юртини босиб олади. Пойтахт Қуддус тамомила вайрон қилиниб, Яҳудо ва Қуддус аҳолисининг кўпчилиги Бобилга асир қилиб олиб кетилади. Қуддуснинг қулаши Исроил тарихида энг даҳшатли воқеалардан бири бўлиб қолади. Аммо китобнинг охирида кўриниб турибдики, Худо итоатсиз халқидан Ўз меҳрини аямайди, У шоҳ Довудга берган ваъдасида туриб, унинг сулоласини асраб қолади. Ёҳайихин деган Яҳудо шоҳи Бобил асирлигидан озод бўлади ва умр бўйи Бобил шоҳи дастурхонидан таом ейди. Китоб Яҳудо халқининг келажагига умид борлигини кўрсатиш билан тугайди.

1–БОБ

Илёс ва шоҳ Охозиё

1 Исроил* шоҳи Ахабнинг вафотидан кейин*, Мўаб юрти* Исроилга қарши исён кўтарди*.

2 Исроил шоҳи Охозиё Самария шаҳридаги саройининг томи* панжарасидан йиқилиб, қаттиқ шикастланди. Сўнг чопарларига: “Филистларнинг Эхрон шаҳридаги* худоси Баал–Забуб* ёнига бориб, ундан сўранглар–чи, мен соғаярмиканман”, деб уларни жўнатди.

3 Шунда Тишба шаҳридан бўлган Илёс пайғамбарга Эгамизнинг фариштаси гапирди:

— Қани, бўл, Самария шоҳи юборган чопарларга пешвоз чиқиб, уларга шу гапларни етказ: “Нима учун сизлар Эхрон шаҳрининг худоси Баал–Забубдан, шоҳ соғаярмикан, деб сўраб билиш учун боряпсизлар?! Исроилда Худо йўқ деб

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

ўйлаяпсизларми?! 4 Энди Эгам шундай айтмоқда: шоҳингиз шу қилгани учун
ётган жойидан турмай, ўлади.”
Илёс Эгамизнинг айтганини бажарди.
5 Чопарлар Охозиёнинг ҳузурига қайтиб бордилар. Шоҳ:
— Намунча тез қайтиб келдингизлар? — деб сўради.
6 Чопарлар Охозиёга айтдилар:
— Қаршимиздан бир одам бизга пешвоз чиқди. Сизнинг ҳузурингизга
қайтишимизни, шу хабарни етказишимизни айтди: “Эгамиз шундай демоқда:
нимага сен Эхроннинг худоси Баал–Забубдан, соғаярмиканман, деб сўраб билиш
учун чопарлар жўнатдинг? Исроилда Худо йўқ деб ўйладингми?! Шу қилганинг
учун ётган жойингдан турмай, ўласан.”
7 Охозиё чопарлардан:
— Сизларга пешвоз чиқиб, шу гапларни айтган одамнинг кўриниши қанақа
эди? — деб сўради.
8 — У одам жундан тўқилган кийим кийган экан, белига чарм камар боғлаб
олибди, — деб жавоб беришди чопарлар шоҳга.
— У Илёс, — деди Охозиё. 9 Шундан кейин шоҳ Охозиё Илёсни олиб келиш
учун элликбошини элликта сипоҳи билан жўнатди. Илёс тоғ тепасида ўтирган
эди. Элликбоши Илёсни топиб, унга деди:
— Эй Худонинг одами!* Тезроқ пастга тушар экансиз, шоҳимиз шундай деб
амр қилмоқда.
10 — Агар мен Худонинг одами бўлсам, — дея жавоб берди Илёс, — осмондан
олов тушиб, сени ва элликта сипоҳингни ёндириб юборсин.
Шу заҳоти осмондан олов тушиб, элликбошини ҳам, ҳамма сипоҳларини ҳам
ёндириб юборди.
11 Шоҳ Илёснинг олдига яна бошқа элликбошисини элликта сипоҳи билан
жўнатди. У элликбоши ҳам:
— Эй Худонинг одами! Тезроқ пастга тушар экансиз, шоҳимиз шундай деб амр
қилмоқда, — деди.
12 — Агар мен Худонинг одами бўлсам, — деб жавоб берди Илёс, — осмондан
олов тушиб, сени ва элликта сипоҳингни ёндириб юборсин.
Шу заҳоти осмондан олов тушиб, элликбошини ҳам, элликта сипоҳини ҳам
ёндириб юборди.
13 Охозиё учинчи марта яна элликта сипоҳ билан бошқа элликбошини
жўнатди. Элликбоши Илёснинг олдига чиқиб, унинг қаршисида тиз чўкди ва унга
илтижо қилиб деди:
— Эй Худонинг одами! Менинг жонимга ва мана шу элликта қулингизнинг
жонига раҳм қилинг. 14 Осмондан олов тушиб, мендан олдинги иккала элликбоши
ҳам барча сипоҳлари билан ёниб кетганди. Энди менинг жонимга раҳм қилинг.
15 Шунда Илёсга Эгамизнинг фариштаси зоҳир бўлиб:
— Шоҳдан қўрқма, элликбоши билан бирга боравер, — деб айтди. Илёс
элликбоши билан бирга шоҳ ҳузурига бориб, 16 унга шундай деди:
— Эгамиз айтмоқда: “Исроилда Худо йўқдай, Эхроннинг худоси
Баал–Забубдан, соғаярмиканман, деб сўраб билиш учун чопарлар жўнатдинг. Шу
қилганинг учун ётган тўшагингдан турмай, ўласан.”
17 Шундай қилиб, Эгамизнинг Илёс орқали айтганига мувофиқ, шоҳ Охозиё
вафот этди. Шоҳнинг ўғли бўлмагани учун унинг ўрнига укаси Ёрам шоҳ бўлди.
Бу воқеа юз берганда, Яҳудо шоҳи Ёҳурам иккинчи йил шоҳлик қилаётган эди*.
Ёҳурам Ёҳушафатнинг ўғли эди.

18 Охозиёнинг бошқа ишлари “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган.

2–БОБ

Илёс осмонга олинади

1 Эгамиз Илёсни қуюн ичида осмонга кўтариб кетадиган вақт келди. Илёс
билан Элишай Гилгал шаҳридан* чиқиб кетишаётганда, 2 Илёс Элишайга:
— Сен шу ерда қол, Эгамиз менга, Байтил шаҳрига бор, деб амр қилган, —
деди.
— Худо шоҳид! Онт ичиб айтаманки, сиздан ҳечам айрилмайман, — деди
Элишай.
Сўнгра улар Байтилга жўнадилар.
3 Байтилда пайғамбарлар гуруҳи Элишайга пешвоз чиқиб:
— Эгамиз бугун ҳазратингни олиб кетади, буни биласанми? — деб сўрадилар.
— Биламан, — деди Элишай, — лекин менга бу тўғрида гапирманглар.
4 Кейин Илёс Элишайга:
— Сен шу ерда қол, Эгамиз менга, Ерихо шаҳрига бор, деб амр берган, — деди.
— Худо шоҳид! Онт ичиб айтаманки, сиздан ҳечам айрилмайман, — дея жавоб
қайтарди Элишай. Сўнгра улар Ерихога келишди.
5 Ерихода пайғамбарлар гуруҳи Элишайнинг олдига келиб, ундан:
— Эгамиз бугун ҳазратингни олиб кетади, буни биласанми? — деб сўрашди.
— Биламан, — деди Элишай, — лекин менга бу тўғрида гапирманглар.
6 Кейин Илёс Элишайга:
— Сен шу ерда қол, Эгамиз менга, Иордан дарёсига бор, деб амр берган, —
деди.
— Худо шоҳид! Онт ичиб айтаманки, сиздан ҳечам айрилмайман, — деди
Элишай.
Шундай қилиб, икковлари жўнаб кетишди.
7 Пайғамбарлардан элликтаси келиб, узоқроқда Илёс билан Элишайнинг
рўпарасида тўхтадилар. Иккови эса Иордан дарёси бўйида турардилар. 8 Бир пайт
Илёс чакмонини олди–да, бураб эшиб, сувга урган эди, сув икки томонга сурилиб,
йўл очилди. Икковлари қуруқ жойдан ўтдилар.
9 Улар нариги қирғоққа ўтиб олишгач, Илёс Элишайга деди:
— Мени ҳадемай Эгамиз олиб кетади. Айт, шу воқеа юз бермасдан олдин сен
учун нима қилай?
Шунда Элишай:
— Илтимос, сизнинг пайғамбарлик руҳингиздан менга икки ҳисса кўп мерос
қолсин*, токи сизнинг издошингиз бўлай, — деди.
10 — Қийин нарсани сўраяпсан, — деди Илёс. — Майли, агар мен ёнингдан
кўтарилиб кетаётганимни кўра олсанг, истаганинг бажо бўлади. Агар кўра
олмасанг, бажо бўлмайди.
11 Улар йўлда суҳбатлашиб кетишаётган эди, бирдан олов отлар қўшилган
олов арава пайдо бўлиб, уларнинг ўртасига елдек учиб келди. Илёс қуюн ичида
осмонга чиқиб кетди. Шундай қилиб, икковлари бир–бирларидан айрилдилар.
12 Элишай буни кўриб Илёсга хитоб қилди:
— Отам! Отам! Сиз Исроилнинг қудратли ҳимоячиси эдингиз! Исроилнинг
жанг араваси ва отлиқ лашкари каби эдингиз–а! Қаёққа кетиб қолдингиз–а!
Элишай Илёсни бошқа кўра олмагани учун эгнидаги кийимини иккига бўлиб
ташлади*. 13 Илёснинг эгнидан чакмони тушиб қолган эди. Элишай ўша чакмонни

олиб орқасига қайтиб, Иордан дарёси қирғоғига келди. 14 Элишай Илёснинг
чакмонини сувга уриб: “Эгам Илёсга қилганидай, мен учун ҳам мўъжиза
кўрсатадими?” — деди. Элишай чакмонини яна сувга урган эди, дарё суви икки
томонга сурилиб йўл очилди. Элишай ўша жойдан ўтиб кетди.
15 Ерихолик пайғамбарлар гуруҳи олисдан Элишайни кўриб:
— Элишайда Илёснинг руҳи бор, — деб Элишайга пешвоз чиқдилар. Уни кутиб
олдилар, ер ўпиб унга таъзим қилдилар. 16 Сўнгра пайғамбарлар Элишайга:
— Биз, қулларингизда элликта бақувват одам бор, — дедилар. — Ижозат
беринг, улар бориб, ҳазратингизни излашсин. Балки Эгамизнинг Руҳи уни бирор
тоққа ёки водийга бошлаб кетгандир.
— Йўқ, юборманглар, — деди Элишай уларга.
17 Лекин пайғамбарлар гуруҳи илтимос қилавериб, охири уни кўндирдилар.
Элишай: “Майли, юборинглар”, деди. Пайғамбарлар гуруҳи элликта одамни
жўнатдилар. Одамлар уч кун қидириб, Илёсни топа олмаганларидан кейин,
18 Элишайнинг ёнига қайтиб келдилар. Элишай бу пайтда Ерихода эди. Элишай
уларга:
— Сизларга, борманглар, деб айтмаганмидим?! — деди.

Элишайнинг мўъжизалари

19 Ўша шаҳарнинг аҳолиси Элишайга мурожаат қилди:
— Ҳазратимиз кўриб турганларидай, шаҳар яхши ерга жойлашган, лекин суви
яхши эмас, ери ҳам ҳосил бермайди.
20 Шунда Элишай:
— Менга янги косага туз солиб беринглар, — деди. Улар Элишайнинг
айтганини бердилар. 21 Элишай булоқ бошига чиқиб, тузни сувга ташлади–да,
шундай деди:
— Эгамиз шундай айтмоқда: “Мен бу сувни тоза қилдим, энди бу сув туфайли
ҳечам ўлим бўлмайди, бундан буён ерингиз ҳам ҳосил беради.”
22 Элишай айтганидек, сув тоза бўлди ва ҳозиргача* тозадир.
23 Шундан кейин Элишай у ердан Байтил шаҳрига йўл олди. У йўлда кетаётган
эди, Байтилдан чиққан ёш болалар унга эргашиб:
— Жўнаб қол, йўқол, кал! Жўнаб қол, кал! — деб уни масхара қилишди.
24 Элишай орқасига қайрилиб, болаларга қаради ва уларни Эгамизнинг номи
билан қарғади. Шу пайт ўрмондан иккита урғочи айиқ чиқиб, болалардан қирқ
иккитасини бурда–бурда қилиб ташлади.
25 Элишай бу ердан Кармил тоғига кетди, у ердан эса Самарияга қайтди.

3–БОБ

Мўаб ва Исроил ўртасидаги уруш

1 Ахаб ўғли Ёрам* Самарияда Исроил тахтига ўтирди ва ўн икки йил шоҳ
бўлди. Бу пайтда Ёҳушафат Яҳудода шоҳлик қилаётганига ўн саккиз йил бўлган
эди*. 2 Ёрам Эгамиз олдида қабиҳликлар қилган бўлса ҳам, отаси ва онасичалик
эмасди. Отаси Баалга атаб ўрнатган тошни* у қўпориб ташлади. 3 Шундай бўлса
ҳам, Исроил халқини гуноҳга ботирган Набат ўғли Еробом қилган гуноҳларга*
эргашди.
4 Мўаб* шоҳи Меша чорвачилик билан шуғулланарди. У Исроил шоҳига ҳар
йили 100.000 та қўзини ва 100.000 та қўйнинг жунини ўлпон қилиб тўларди.
5 Ахаб вафот этгандан кейин, Мўаб шоҳи Исроил шоҳига қарши бош кўтарди.
6 Шунда шоҳ Ёрам Самариядан чиқиб, жамики Исроил лашкарини тўплади.

7 Сўнгра Яҳудо шоҳи Ёҳушафатга шу хабарни етказди: “Мўаб шоҳи менга қарши
қўзғалди. Мўабга қарши уришгани мен билан борасизми?” Яҳудо шоҳи
қуйидагича жавоб жўнатди: “Бораман, мен сен билан биргаман, менинг халқим
сенинг халқингдир, менинг отларим сенинг ҳам отларингдир.” 8 “Биз қайси
йўлдан боришимиз керак?” сўради Яҳудо шоҳи. “Эдом* саҳросидаги йўлдан”,
жавоб берди шоҳ Ёрам.
9 Исроил, Яҳудо ва Эдом шоҳлари биргаликда йўлга чиқдилар. Улар етти кун
йўл юрганларидан кейин, бирга борган лашкар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам сув
тугади. 10 Шунда Исроил шоҳи:
— Эвоҳ, Эгамиз бизни — учала шоҳни Мўаб шоҳи қўлига бериш учун бир
жойга тўплабди-да, — деди.
11 — Бу ерда Эгамизнинг пайғамбари йўқми? Агар бўлса, биз ўша пайғамбар
орқали Эгамизнинг хоҳиш-иродасини билардик, — деди Ёҳушафат.
Исроил шоҳининг аъёнларидан бири:
— Шофот ўғли Элишай шу ерда, у доимо Илёснинг хизматида бўлган эди*, —
деб жавоб берди.
12 — Эгамизнинг хабарини бизга у айта олади, — деди Ёҳушафат. Сўнгра
Исроил шоҳи, Ёҳушафат ва Эдом шоҳи Элишайнинг ҳузурига бордилар. 13 Элишай
Исроил шоҳига айтди:
— Мен сенга қандай ёрдам бера оламан?! Бор, ўз ота-онангнинг
пайғамбарларидан* маслаҳат сўра.
Исроил шоҳи Элишайга:
— Йўқ, Эгамиз бизни — учала шоҳни Мўаб шоҳининг қўлига бериш учун
тўплаган, — деди.
14 — Ўзим хизматида бўлган Сарвари Олам шоҳид! — деди Элишай. — Агар мен
Яҳудо шоҳи Ёҳушафатни ҳурмат қилмаганимда, сенга ҳеч ҳам қарамаган, ҳатто
назар солмаган ҳам бўлардим. 15 Энди менга бир созанда олиб келинглар!
Созанда мусиқа чалган эди, Эгамиз Элишайга Ўз қудратидан берди. 16 Элишай
деди:
— Эгамиз шундай айтмоқда: “Қуриб қолган бу сойлик сувга тўлади. 17 На
шамолни, на ёмғирни кўрасизлар, лекин бу сойлик сувга тўлиб-тошади, — деб
айтмоқда Эгамиз. — Ўзларингиз ҳам, от-уловларингиз ҳам, чорвангиз ҳам шу
сувдан ичасизлар.” 18 Эгамиз қиладиган бу ишлар ҳали камдир: У Мўаб халқини
сизларнинг қўлингизга беради. 19 Сизлар эса Мўабнинг ҳамма мустаҳкам
шаҳарларини, энг чиройли шаҳарларини вайрон қиласизлар, ҳамма мевали
дарахтларини кесиб ташлайсизлар, ҳамма булоқларини кўмасизлар, ҳосилдор
далаларининг ҳаммасини тошлоқ қилиб, яроқсиз ҳолатга келтирасизлар.
20 Кейинги куни эрталабки қурбонлик пайтида*, бирдан Эдом томондан сув
тўлиб-тошиб оқа бошлади. Ҳамма ерни сув босиб кетди.
21 Мўаб халқи шоҳлар жанг қилиш учун келаётганини эшитди-ю, ҳаммалари
— қурол кўтаришга ярайдиганларидан тортиб, катталаригача йиғилишиб,
чегарага келишди. 22 Улар саҳарда турганларида, қуёш сув устида ёғду сочар, сув
Мўаб лашкарига узоқдан қонга ўхшаб қизариб кўринарди.
23 — Бу қон-ку, — дейишди улар, — шоҳлар бир-бирлари билан жанг
қилибдилар, бир-бирларини қирибдилар. Қани, ўлжага, Мўаб лашкари!
24 Аммо Мўаб лашкари Исроил қароргоҳига борганда, Исроил лашкари уларга
бирдан ташланиб, ҳужум қилиб қолди, Мўаб лашкари эса қочиб қолди. Исроил
лашкари Мўаб юртига кириб ҳам ҳужумни давом эттирди. 25 Шаҳарларини вайрон
қилдилар, даладаги ҳамма ҳосилдор ерларга тош отавериб, далани тошга

тўлдириб ташладилар, булоқларини кўмиб юбордилар, барча мевали дарахтларини кесдилар. Фақат Хир–Харасот шаҳридаги тош деворлар қолди, холос. Палахмончилар шаҳарни қуршаб олиб, тош ирғитавердилар. 26 Мўаб шоҳи жангда мағлуб бўлаётганини англаб етгач, етти юзта қиличбозини ёнига олди. У Эдом шоҳи кучларини ёриб ўтмоқчи бўлди, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. 27 Шундан кейин Мўаб шоҳи тахт вориси бўлган тўнғич ўғлини олиб келди–да, уни девор устида куйдириб қурбонлик қилди. Бу воқеадан Исроил лашкари қаттиқ ваҳимага тушди. Улар Мўаб шоҳидан узоқлашиб, ўз юртига қайтиб кетдилар.

4–БОБ

Элишайнинг бева аёлга ёрдами

1 Илгари пайғамбарлар гуруҳида бир пайғамбар бўлар эди. Ўша пайғамбарнинг беваси Элишайнинг олдига келиб фарёд қилди:

— Сизга хизмат қилиб юрган менинг эрим вафот этди. Ўзингиз биласиз, у Эгамиздан қўрқарди. Бир одам олдин қарз берган эди. Энди у иккала ўғлимни ўзига қул қилиб олиб кетгани келди.

2 Шунда Элишай:

— Айт–чи, сен учун мен нима қилай? Уйингда нима бор? — деди.

— Бу чўрингизнинг уйида зайтун мойи солинган хумчадан бошқа ҳеч вақо йўқ, — деди аёл.

3 — Бор, ҳамма қўшниларингдан бўш идишларини сўраб ол, — деди Элишай. — Иложи борича кўпроқ сўраб ол. 4 Борганингдан кейин ўғилларинг билан бирга уйга кириб, эшикни ёпиб қўй. Сўнг ҳамма идишга зайтун мойи қуй, тўлган идишларни нари суриб қўявер.

5 Аёл Элишайнинг олдидан кетгач, ўғиллари билан бирга уйга кириб, эшикни беркитди. Ўғиллари идишларни узатиб туришди, аёл эса қуяверди.

6 Ҳамма идишлар тўлгандан кейин, аёл ўғлига:

— Яна идиш узат, — деди.

— Бошқа идиш йўқ, — деди ўғли. Шундан сўнг зайтун мой ҳам оқмай қолди.

7 Аёл пайғамбар ҳузурига келиб, бўлган воқеани айтиб берди.

— Бор, мойни сотиб, қарзингни тўла, — деди Элишай. — Ортиб қолган мойни ишлатиб, ўғилларинг билан кун кечир.

Элишай ва Шунамлик бой аёл

8 Бир куни Элишай Шунамга* келди. У ерда бир бой аёл: “Меникига кириб, чой–пой ичиб кетинг”, деб илтимос қилиб, кўндирди.

Элишай қачон келмасин, ҳар доим тамадди қилгани ўша аёлникига кирадиган бўлди.

9 Бир куни аёл эрига:

— Шу йўлдан доимо ўтиб юрадиган одам Худонинг муқаддас одами эканини билиб олдим, — деди. 10 — Келинг, том устига чоғроққина болохона қуриб, у ерга кўрпа–тўшак, хонтахта, курси, мойчироқ қўяйлик. У бизникига келганда, болохонада турсин.

11 Кунларнинг бирида Элишай Шунамга келганда, болохонага кириб, ёнбошлади. 12 Кейин хизматкори Гахазига: “Шунамлик аёлни чақир”, деб буюрди. Хизматкор аёлни чақириб келди. Аёл келгач, 13 Элишай хизматкорига гапирди:

— Бу аёлга шундай деб айт: “Сен бизга ғамхўрлик қиляпсан. Бунинг эвазига сен учун нима қилайлик? Сенинг бирор ишинг юзасидан шоҳ билан ёки

лашкарбоши билан гаплашиш керак эмасми?”

— Йўқ, — деди аёл, — мен халқим орасида яшасам, бас.

14 Элишай Гахазидан:

— Ундай бўлса, бу аёл учун нима қилишим керак? — деб сўради.

— Унинг ўғли йўқ экан, эри эса кексайиб қолибди, — деди Гахази.

15 — Чақир уни! — буюрди Элишай. Хизматкор аёлни чақириб келди, аёл эшик олдида ҳозир бўлди.

16 — Келгуси йили худди шу пайтда қўлингда ўғлингни кўтариб юрган бўласан, — деб айтди Элишай аёлга.

— Йўқ, ҳазратим, эй Худонинг одами*, бу чўрингизни беҳудага умидвор қилманг, — деди аёл.

17 Лекин Элишай айтганидай, аёл ҳомиладор бўлиб, келгуси йил ўша вақтда ўғил туғди.

18 Бола улғаяверди. Бир куни бола ўроқчилар орасида ишлаётган отаси ёнига бориб: 19 “Вой бошим! Бошим оғриб кетди!” деди отасига. Отаси эса хизматкорига: “Онасига олиб бор”, деб буюрди. 20 Хизматкор болани кўтариб, онасига олиб борди. Бола тушгача онасининг тиззасида ўтирди–ю, сўнгра вафот этди. 21 Она боласини кўтариб бориб, пайғамбар ётадиган тўшакка ётқизди–да, эшикни беркитиб, ташқарига чиқди.

22 Сўнг эрини чақириб келиб, унга айтди:

— Менинг ёнимга хизматкорларингиздан биттасини эшаги билан бирга юборинг. Мен пайғамбар ҳузурига бориб, тезда қайтиб келаман.

23 — Нимага унинг олдига бугун боришинг керак?! — деди эри. — Бугун янги ой шодиёнаси куни эмас, Шаббат куни* ҳам эмас.

— Ҳечқиси йўқ, — деди аёл. 24 Шундан кейин аёл эшакни эгарлаб, хизматкорга:

— Эшакни ҳайда, — деди, — мен сенга гапирмагунимча секинлама.

25 Аёл жўнаб кетди. У пайғамбар ёнига — Кармил тоғига* етиб борди. Пайғамбар уни узоқдан кўриб, хизматкори Гахазига:

— Бу ўша Шунамлик аёл–ку! — деди. 26 — Югур, уни кутиб ол, “Ўзинг яхшимисан? Эринг соғ–саломатми? Боланг яхшими?” деб ундан сўра.

— Ҳаммаси яхши, — деди аёл. 27 Аёл тоққа, пайғамбар ёнига етиб келгач, унинг оёқларига ёпишиб олди. Гахази, аёлни четроққа олиб қўяй, деб яқин келган эди, Элишай Гахазига айтди:

— Уни тинч қўй, унинг дили озор чеккан. Эгамиз эса буни мендан яширди, менга маълум қилмади.

28 — Мен ҳазратимдан ўғил сўраганмидим?! — деди аёл. — “Мени беҳудага умидвор қилманг”, деб айтмаганмидим?!

29 Элишай Гахазига айтди:

— Қани бўл, менинг таёғимни қўлингга олиб югур. Бирортасини учратиб қолсанг, у билан саломлашма, ким сенга салом берса, саломига алик олма. Борганингдан кейин таёғимни боланинг юзига қўй.

30 — Худо шоҳид! Онт ичиб айтаманки, сизсиз кетмайман, — деди боланинг онаси Элишайга. Элишай ўрнидан туриб, аёлни эргаштириб кетди. 31 Гахази олдин етиб бориб, таёқни боланинг юзига қўйди. На бир садо, на бир жавоб бўлмагандан кейин Элишайга пешвоз чиқиб: “Бола уйғонмаяпти”, деди.

32 Элишай ичкарига кирди. Қараса, ўлган бола Элишайнинг тўшагида ётган экан. 33 Элишай хонага киргач, эшикни беркитди–да, Эгамизга ёлвориб ибодат қилди. 34 Сўнг боланинг устига чўзилиб ётди. У оғзини боланинг оғзига,

кўзларини кўзларига, кафтини кафтига қўйди, боланинг устида чўзилиб ётганда, боланинг танаси исиди. 35 Сўнгра у ўрнидан туриб болохонанинг у ёғидан бу ёғига юрди. Кейин яна қайтиб келиб, боланинг устига чўзилди. Бола етти марта аксириб, кўзларини очди.

36 Элишай Гахазига: “Аёлни чақир!” — деди. Гахази аёлни чақириб келди. Аёл Элишайнинг олдига яқинлашди. Элишай унга: “Ол ўғлингни!” — деди.

37 Аёл ичкари кириб, Элишайнинг оёқларига йиқилди, боши ерга теккудай бўлиб таъзим қилди. Ўғлини олиб, чиқиб кетди.

Яна икки мўъжиза

38 Элишай Гилгалга* қайтиб келди. Бу ерда очарчилик ҳукм сураётган эди. Пайғамбарлар гуруҳи Элишайнинг олдига йиғилишган эди. Шунда Элишай хизматкорига:

— Катта қозон ўрнатиб, пайғамбарлар гуруҳи учун бирор таом пишир! — деди.

39 Пайғамбарлардан биттаси далага кўкат тергани чиқди. У ерда чирмашиб ўсадиган ёввойи қовоқларни топиб, этагини тўлдириб қовоқлардан терди. У қовоқларни олиб келиб тўғради ва таом қайнаётган қозонга ташлади. Ўша одам қовоқнинг қанақалигини билмас эди.

40 Ҳаммаларига таомдан қуйиб берилди. Улар таомни татиб кўришлари биланоқ: “Эй пайғамбар ҳазратлари! Қозондаги таом заҳар бўлиб кетибди–ку!” деб шовқин кўтардилар. Таомдан ҳеч ким тановул қила олмади.

41 Шунда Элишай:

— Менга ун беринглар! — деди. Унни қозонга солгач, хизматкорга:

— Энди одамларга қуйиб беравер, еяверишсин, — деди. Қозондаги таом безарар бўлиб қолган эди.

42 Баал–Шолишо шаҳридан* бир киши арпасининг биринчи ҳосилидан қилинган йигирмата кулча ва бир қоп янги узилган бошоқни пайғамбарга олиб келди. Элишай хизматкорига:

— Одамларга бер, тановул қилишсин, — деб буюрди.

43 Қандай қилиб шугинани юзта одамга бераман?! — деди хизматкор.

— Одамларга бўлиб бер, тановул қилишсин, — деди Элишай, — чунки Эгамиз шундай демоқда: “Ҳамма тўяди, ҳатто ортиб ҳам қолади.”

44 Хизматкор одамларга кулчаларни ва бошоқни бўлиб берди. Эгамиз айтганидай, одамлар еб тўйди, яна ортиб ҳам қолди.

5–БОБ

Элишай Нўъмонга шифо беради

1 Орам шоҳининг Нўъмон деган лашкарбошиси бор эди. Хўжайини уни жуда улуғлар ва ҳурмат қилар эди, чунки Эгамиз Нўъмон орқали Орамга ғалаба ато қиларди. Нўъмон жуда довюрак жангчи эди–ю, лекин тери касаллигига* чалинган эди.

2 Орам лашкари Исроил юртига бостириб борганда, кичкина қизчани асир қилиб олиб келган эди. Қизча Нўъмоннинг хотинига чўрилик қиларди. 3 Қизча бир куни бекасига айтиб қолди:

— Агар тўрам Самариядаги пайғамбар* ҳузурига борганларида эди, ўша пайғамбар тўрамга шифо берган бўларди.

4 Шундай қилиб, Нўъмон ўз ҳукмдори ҳузурига борди. Шоҳга Исроил юртидан келтирилган қизчанинг айтганларини гапириб берди. 5 Орам шоҳи Нўъмонга:

— Йўлга отланавер, мен Исроил шоҳига* мактуб ёзиб бераман, — деди. Нўъмон йигирма бир пуд* кумуш, тўрт пуд* олтин, ўн сидра қимматбаҳо кийим–бош олиб, йўлга чиқди. 6 Нўъмон мактубни Исроил шоҳига келтириб берди. Мактуб шу мазмунда битилган эди: “Ушбу мактуб етиб борганда, билингизки, хизматкорим Нўъмонни сизнинг ҳузурингизга юборган бўламан, уни тери касаллигидан сиз фориғ қилишингиз мумкин.”

7 Исроил шоҳи мактубни ўқиб, ваҳимага тушиб, кийимларини йиртди:

— Орам шоҳи мени ҳаёт бахш этадиган ва жон оладиган Худо деб ўйлаяптими?! Шифо беришим учун у менинг ҳузуримга одамини жўнатибди–я! Мана, билиб қўйинглар, Орам шоҳи мен билан уруш чиқариш учун баҳона излаяпти.

8 Исроил шоҳи ваҳимага тушиб либосларини йиртганини Элишай пайғамбар эшитгач, шоҳга хабарчи орқали шу гапни етказди: “Нега ваҳимага тушиб либосларингизни йиртдингиз? Ўша одам менинг олдимга келсин, Исроилда пайғамбар борлигини билиб қўйсин.”

9 Нўъмон отларию жанг араваларини Элишайнинг уйи эшиги олдига олиб келиб тўхтади. 10 Элишай Нўъмоннинг олдига хизматкорини чиқариб, у орқали Нўъмонга шу гапни етказди: “Бор, Иордан дарёсида етти марта ювин, шунда тананг янгиланиб, пок бўлади.” 11 Нўъмон эса дарғазаб бўлди: “Мен ўйлаган эдимки, пайғамбар албатта менинг олдимга чиқади, ўзининг Эгаси Худони чақириб илтижо қилади. Қўллари билан касал жойимни силаб, мени бу касалликдан фориғ қилади. 12 Дамашқдаги Абано ва Парфар дарёлари Исроилнинг ҳамма дарёларидан афзал эмасми?! Мен ўша дарёларда ювиниб, покланиб олаверардим–ку!”

Нўъмон жаҳл билан бурилиб кетди.

13 Шунда хизматкорлари келиб:

— Жаноби олийлари, агар пайғамбар сизга қийин нарсани айтганда, қилмасмидингиз? — деб гапиришди, — у сизга: “Ювингин, пок бўлиб қоласан”, деди холос–ку.

14 Охири, Нўъмон пайғамбарнинг айтганини қилиб, Иордан сувида етти марта шўнғиди. Шунда танаси худди ёш боланинг танаси каби янгиланиб, пок бўлди.

15 Нўъмон ва унинг барча ҳамроҳлари пайғамбар ҳузурига қайтиб келдилар. Нўъмон Элишайнинг ҳузурига келгач, айтди:

— Бутун ер юзида Исроил халқининг Худосидан бошқа Худо йўқлигини билдим. Марҳамат, энди мен, қулингизнинг ҳадяларини қабул қилинг.

16 Мен хизмат қилаётган Худо шоҳид! Ҳадянгни олмайман! — деди Элишай.

Нўъмон Элишайни қанча мажбур қилса ҳам, Элишай рад этди. 17 Шунда Нўъмон айтди:

— Ундай бўлса, мен, қулингизга иккита хачир кўтара оладиган тупроқ олиб кетишга ижозат беринг*. Мен, қулингиз, бундан буён Эгамиздан бошқа худоларга ҳар хил қурбонликлару куйдириладиган қурбонликлар қилмайман. 18 Эгамиз мен, қулингизни фақат битта нарсада кечирсин: хўжайиним худо Риммон уйига бориб сажда қилиш учун қўлимга суянганда, мен ҳам Риммон уйида у билан бирга таъзим қиламан. Ўша ерда таъзим қилганимда, шу нарса учун Эгамиз мени кечирсин.

19 — Эсон–омон бор, — деди унга Элишай. Нўъмон Элишай ҳузуридан чиқиб, ҳали унча узоқ йўл юрмаган ҳам эдики, 20 Элишай пайғамбарнинг хизматкори Гахази ўзига ўзи айтди: “Ҳазратим анави Орам халқидан Нўъмон келтирган ҳадяларни қабул қилмасдан, унга ижозат берди. Худо ҳақи! Ортидан югуриб

бориб, ундан бирор нарса ундирай.” 21 Гахази Нўъмоннинг орқасидан кетди. Нўъмон ортидан келаётган Гахазини кўриб, уни қарши олгани аравадан тушди.

— Тинчликми? — сўради Нўъмон.

22 — Тинчлик, — деди хизматкор, — хўжайиним мендан айтиб юборди, унинг ҳузурига Эфрайим қирларидаги пайғамбарлар гуруҳидан иккитаси келибди, уларга икки пуд* кумуш ва икки сидра кийим–бош бераркансиз.

23 — Балки тўрт пуд* оларсан, — деди Нўъмон ва Гахазини тўрт пуд олишга кўндирди. Нўъмон иккита қопдаги тўрт пуд кумушни ва икки сидра кийим–бошни боғлаб, ўзининг иккита хизматкорига берди. Хизматкорлар бу нарсаларни кўтариб, Гахазининг олдига тушиб жўнадилар.

24 Тепаликка келганларида, Гахази нарсаларни хизматкорларнинг қўлидан олди ва уйига олиб бориб яширди. Сўнгра Нўъмоннинг иккала хизматкорига ижозат берди. 25 Гахази қайтиб келгач, хўжайинининг ҳузурига кирди.

— Қаерда эдинг, Гахази? — сўради Элишай ундан.

— Мен, қулингиз, ҳеч қаерга бормадим, — жавоб берди у.

26 Элишай эса Гахазига:

— Ўша одам аравасидан тушиб сенга пешвоз чиққанда, менинг руҳим сен билан бирга эмасмиди?! — деди. — Ҳозир кумушу либослар ёки зайтунзорлару узумзорлар, қўю сигирлар, қулу чўрилар оладиган пайтми?! 27 Шу қилганинг учун Нўъмоннинг тери касаллиги сенга ва сенинг наслингга абадий ёпишиб қолсин.

Ўша заҳоти Гахазига яра тошиб, териси қордай оппоқ бўлиб қолди. У Элишайнинг ҳузуридан чиқиб кетди.

6–БОБ

Болта сув юзига чиқади

1 Бир куни пайғамбарлар гуруҳи Элишайга:

— Қаранг, сиз билан биз йиғиладиган мана шу жойимиз тор, — дедилар. 2 — Ижозат беринг, Иордан дарёси бўйига борайлик, ҳар биримиз у ерда ёғоч кесиб, ўша ерда ўзимизга бошпана қурайлик.

— Майли, боринглар, — деди Элишай.

3 — Улардан биттаси:

— Марҳамат қилиб, сиз ҳам биз, қулларингиз билан бирга боринг, — деди.

— Хўп, бораман, — деди Элишай. 4 Элишай улар билан бирга кетди. Ҳаммалари Иордан дарёси бўйига етиб келиб, дарахт кеса бошладилар. 5 Биттаси дарахт кесаётиб, болтасини сувга тушириб юборди. У: “О, ҳазратим! Болтани омонатга олган эдим!” — деб бақирди.

6 — Болта қайси жойга тушди? — сўради пайғамбар. Ўша одам Элишайга болта тушган жойни кўрсатди. Элишай дарахтдан битта шох кесиб олиб, сувга ташлаган эди, болта сув юзига чиқди.

7 — Ол уни, — деди Элишай. Ўша одам қўлини узатиб, болтани олди.

Орам лашкари ва Элишай

8 Орам шоҳи Исроилга лашкар тортди ва “Фалон жойга лашкаримни жойлаштираман”, деб лашкарбошилари билан маслаҳатлашиб олди.

9 Пайғамбар Исроил шоҳига: “Ўша жойдан ўтманг, чунки у ерга Орам лашкари пистирма қўйган” деган хабар юборди. 10 Исроил шоҳи пайғамбар айтган жойга хабарчи жўнатди. Ўша ерда яшайдиган одамлар бу хавфнинг чорасини кўрдилар. Бундай воқеа бир–икки марта эмас, кўп марта юз берди.

11 Бу ҳодисадан Орам шоҳи қаттиқ безовталанди. У лашкарбошиларини

чақириб:

— Менга айтинглар–чи, қайси бирингиз Исроил шоҳи билан алоқадасиз? — деди уларга.

12 — Ҳеч қайсимиз, шоҳ жаноблари! — деди лашкарбошилардан бири. — Бу Исроилдаги Элишай пайғамбарнинг иши, у ҳатто ётоқхонангизда айтган гапингизни ҳам Исроил шоҳига аён қилиб туради.

13 — Боринглар, унинг қаердалигини билиб келинглар! — деб буюрди Орам шоҳи. — Мен бирортасини юбораман–да, уни қўлга тушираман.

Шундан кейин: “Элишай Дўтанда*”, деб шоҳга хабар етказдилар. 14 Орам шоҳи ўша ерга отлиқлар, жанг аравалари ва катта куч жўнатди. Улар тунда келиб, шаҳарни ўраб олдилар.

15 Тонгда пайғамбарнинг хизматкори ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Қараса, шаҳар атрофида отлиқ лашкар, жанг аравалари турибди. Шунда хизматкор:

— Эвоҳ! Ҳазратим, энди нима қиламиз? — деб сўради.

16 — Қўрқма, — деди Элишай, — чунки бизнинг ҳимоячиларимиз уларникидан жуда кўп.

17 Кейин Элишай илтижо қилди:

— Эй Эгам! Хизматкоримнинг кўзини оч, у кўрсин!

Эгамиз хизматкорнинг кўзини очиб юборди. Элишайнинг атрофидаги қирлар оловли отлар ва жанг араваларига тўлиб кетганини хизматкор кўрди.

18 Орам лашкари Элишайга ҳужум қилган эди, Элишай Эгамизга: “Уларни кўр қилиб қўй!” деб илтижо қилди. Эгамиз Элишайнинг илтижосини эшитди–да, Орам лашкарини кўр қилиб қўйди.

19 Кейин, Элишай Орам лашкарига деди:

— Сизлар адашиб қолибсизлар, сизлар излаётган шаҳар бу эмас. Ортимдан юринглар, мен сизларни излаётган одамингиз олдига олиб бораман.

Шундай қилиб, Элишай Орам лашкарини Самарияга бошлаб келди. 20 Улар Самарияга етиб келганларидан кейин Элишай:

— Эй Эгамиз! Уларнинг кўзларини оч, токи улар кўрсин, — деб илтижо қилган эди, Эгамиз Орам лашкарининг кўзини очди. Улар қарасалар, Самариянинг ўртасида турибдилар.

21 Исроил шоҳи Орам лашкарини кўргач Элишайдан:

— Уларни қириб ташлайми, ота? — деб сўради.

22 — Йўқ, ўлдирма! — деди Элишай. — Нега ўлдирар экансан?! Сен уларни жанг қилиб асир олганингда ҳам ўлдирмасдинг. Уларга нон, сув бер, еб–ичиб, ўзларининг ҳукмдори ёнига қайтиб кетишсин.

23 Шоҳ асирларга катта зиёфат тайёрлади. Асирлар еб–ичиб бўлишгач, Исроил шоҳи уларни йўлларига қайтариб юборди. Орам лашкари ўз ҳукмдори ёнига кетди. Бу босқинчилар қайтиб Исроил ерларига қадам босмадилар.

Самарияда очарчилик

24 Орадан анча вақт ўтгач, Орам шоҳи Банҳадад* бутун лашкарини йиғиб Самарияни қамал қилди. 25 Орам лашкари Самарияни қамал қилиб турар экан, у ерда оғир қаҳатчилик юз берди. Натижада эшакнинг калласи саксон кумуш тангага*, икки коса каптар ахлати* беш кумуш тангага* сотилди.

26 Бир куни Исроил шоҳи* шаҳар девори устида кетаётган эди, бир аёл: “Шоҳ ҳазратлари! Ёрдам беринг”, деб фарёд қилди.

27 — Сенга Эгамиз ёрдам бермаса, мен қандай ёрдам бера оламан?! — деди шоҳ. — Мен буғдой ёки шароб бера олармидим?! 28 Дардинг нима?

— Мана бу аёл: “Ўғлингни бер, уни бугун ейлик, менинг ўғлимни эртага еймиз”, деб айтган эди. 29 Менинг ўғлимни пишириб едик. Эртаси куни мен унга: “Ўғлингни бер, уни ейлик”, деган эдим, у ўғлини яшириб қўйибди, — деди у.

30 Шоҳ аёлнинг сўзларини эшитгач, қайғудан либосларини йиртди. Халқ девор устида кетаётган шоҳнинг либоси ичидаги қанорни* кўриб қолди. 31 Сўнгра шоҳ деди:

— Агар шу бугун Элишайнинг боши олинмаса, Худо мени не кўйга солса солсин, ундан ҳам баттарроғини қилсин.

32 Шоҳ хабарчи жўнатганда, Элишай ўз уйида оқсоқоллар билан бирга ўтирган эди. Шоҳ юборган хабарчи Элишайникига келмасдан олдин, Элишай оқсоқолларга айтди:

— Кўряпсизларми қотилни?! Менинг бошимни олмоқ учун қотил ўз одамини жўнатди! Қараб туринглар, хабарчи келганда, эшикни ёпинглар, уни ичкарига киритманглар. Ҳадемай, хўжайинининг ўзи ҳам унинг орқасидан етиб келади!

33 Элишай оқсоқоллар билан суҳбатлашиб ўтирганда, хабарчи унинг олдига келиб, шоҳнинг қуйидаги сўзларини етказди: “Шунча кулфат Эгамиздан келди! Нима учун мен энди Унга умид боғлашим керак?!”

7–БОБ

1 Элишай айтди:

— Эгамизнинг сўзини эшитинглар: У шундай демоқда: “Эртага худди шу пайтда Самария дарвозаси олдида ярим тоғора* яхши ун бир кумуш тангадан*, бир тоғора* арпа ҳам бир кумуш тангадан сотилади.”

2 Шоҳнинг энг яқин амалдори шу ерда эди. У Элишайга:

— Ҳатто Эгамиз осмоннинг қопқасини очиб, ёмғир ёғдирганда ҳам шундай бўлмас–ов, — деди. Шунда Элишай:

— Сен кўзинг билан кўрасан, лекин сенга насиб қилмайди, — деди.

Қамал тугайди

3 Шу вақтда шаҳар дарвозаси ташқарисида тери касаллигига* чалинган тўртта одам: “Ўлимимизни кутиб, шу ерда ўтираверамизми?!” деб бир–бирига гапирди. 4 “Агар шаҳарга кирадиган бўлсак, у ерда очарчилик бўляпти, биз ҳам ўша ерда ўлиб кетамиз. Шу ерда ўтираверсак ҳам ўламиз. Яхшиси, Орам лашкарининг қароргоҳига борайлик. Агар бизни тирик қолдиришса, яшаймиз, ўлдиришса, ўламиз.” 5 Улар оқшом пайти Орам лашкарининг қароргоҳига бормоқчи бўлишиб, отланишди. Орам лашкарининг қароргоҳи чеккасига келиб қарасалар, у ерда бирорта ҳам одам йўқ экан.

6 Раббий Орам лашкарига жанг араваларининг тақир–туқурини, отларнинг кишнашини, кўп лашкарнинг шовқин–суронини эшиттирган эди. Улар бир–бирларига: “Исроил шоҳи бизга қарши ҳужум қилгани Хет ва Миср лашкарларини ёллаганга ўхшайди”, дедилар. 7 Улар оқшом пайти жонларини қутқариш учун чодирларини, отларини, эшакларини, бутун қароргоҳни шундайича ташлаб қочиб қолган эдилар.

8 Ўша касал одамлар қароргоҳга келиб, бир чодирга кирдилар. Чодирда еб–ичиб, у ердан кумуш, олтин, кийим–кечакларни олиб кетиб, яшириб қўйдилар. Кейин қайтиб келиб бошқа чодирга кирдилар, у ердан ҳам топганларини олиб бориб яширдилар.

9 Сўнгра улар бир–бирларига айтдилар:

— Биз тўғри иш қилмаяпмиз. Бу кун — хушхабарлар юз берган кундир. Агар

биз сусткашлик қилиб, тонг отишини кутсак, жазога тортилишимиз аниқ. Кетдик, шоҳ саройига бориб хабар берайлик.

10 Касал одамлар бориб, шаҳар дарвозабонларини чақирдилар–да, уларга шундай дедилар:

— Биз Орам лашкарининг қароргоҳига борган эдик. У ерда на бирор тирик жон бор, на бирор инсон товуши эшитилади. Фақат боғловлиқ отлар, эшаклар турган экан. Чодирларни, қандай турган бўлса, шундайлигича ташлаб кетибдилар.

11 Дарвозабонлар жар солиб бу хушхабарни шоҳ саройига етказдилар. 12 Шоҳ тунда ўрнидан туриб, лашкарбошиларига шундай деди:

— Орам лашкари қандай режа тузаётганларини сизларга айтиб қўяй. Биз қаҳатчиликни бошдан кечираётганимизни улар билади. Шаҳардан чиққанимиздан кейин, бизни тириклайин қўлга олиб, шаҳарга ёриб киришни режалаштирган. Шу мақсадда далада пистирма қўйиш учун қароргоҳдан чиқиб кетган.

13 Шоҳнинг аъёнларидан бири деди:

— Шу пайтгача қанча одам ўлди, шаҳарда қолганларимиз ҳам барибир ўлимга маҳкуммиз! Энди бир нечта одамни юборайлик. Улар шаҳарда қолган отлардан бештасини олсин ва бориб, аҳволни билиб келсин.

14 Улар иккита отлиқ одамни тайёрладилар. Шоҳ ўша одамларни Орам лашкари изидан жўнатар экан: “Бориб, нима бўлганини билиб келинглар”, деди.

15 Отлиқлар Орам лашкарининг изидан Иордан дарёсигача боришди. Йўл бўйи кийим–кечак, буюмлар сочилиб кетган эди. Бу нарсаларни Орам лашкари шошиб–пишиб қочаётганларида ташлаб кетган эдилар. Юборилган одамлар қайтиб келиб, шоҳга хабар бердилар.

16 Халқ Орам лашкарининг қароргоҳига бориб, у ерни талон–тарож қилди. Эгамиз айтганидай, ярим тоғора яхши ун бир кумуш тангадан, бир тоғора арпа ҳам бир кумуш тангадан сотилди.

17 Шоҳ ўша яқин амалдорини дарвозага тайинлаган эди. Халқ амалдорни дарвоза олдида босиб, янчиб ўтиб кетди, амалдор ўлди. Шоҳ пайғамбар ҳузурига борганда, пайғамбар бўладиган ҳодисаларни унга олдиндан айтган эди.
18 Ҳаммаси пайғамбар айтганидай бўлди. У шоҳга: “Эртага худди шу пайтда Самария дарвозаси олдида ярим тоғора яхши ун бир кумуш тангадан, бир тоғора арпа бир кумуш тангадан сотилади”, деган эди. 19 Амалдор эса пайғамбарга: “Ҳатто Эгамиз осмоннинг қопқасини очиб, ёмғир ёғдирганда ҳам, шундай бўлмас–ов”, деб жавоб берган эди. Элишай эса унга: “Сен кўзинг билан кўрасан, лекин сенга насиб қилмайди”, деганди. 20 Шундай қилиб, айтилган воқеа юз берди: халқ ўша амалдорни дарвоза олдида босиб, янчиб ўтиб кетди, амалдор ўлди.

8–БОБ

Шунамлик аёл қайтиб келади

1 Элишай ўзи тирилтирган боланинг* онасига шундай деган эди:

— Тур ўрнингдан, ўзинг ва хонадонинг аҳли билан бирга жўна. Қаерда яшай олсанг, ўша ерда яшайвер, чунки Эгамиз юртга етти йил қаҳатчилик юборишга қарор қилди.

2 Аёл пайғамбарнинг айтганларига қулоқ солди. Унинг ўзи ва хонадони аҳли Филистлар ерига бориб, у ерда етти йил истиқомат қилди. 3 Орадан етти йил

ўтгач, ўша аёл Филистлар еридан қайтиб келди. Сўнг уйимни ва даламни қайтариб олай деб, шоҳ ҳузурига келди.

4 Шу пайтда шоҳ Элишайнинг хизматкори Гахази билан гаплашаётган эди:

— Элишай қилган ҳамма ажойиботлар ҳақида менга айтиб бер–чи, — деди шоҳ. 5 Пайғамбар ўликни қандай тирилтирганини Гахази шоҳга гапираётган эди, ҳалиги аёл шоҳдан ўз уйи ва даласини қайтариб олиш учун сўраб келиб қолди.

— Шоҳ ҳазратлари! — деди Гахази. — Бу ўша аёлдир. Ана, Элишай тирилтирган ўғли ҳам ёнида турибди.

6 Шоҳ аёлдан бўлиб ўтган воқеаларни сўради. Аёл шоҳга ҳаммасини айтиб берди. Шундан сўнг шоҳ сарой амалдорларидан бирини чақириб, аёл билан бирга жўнатар экан, амалдорга амр берди:

— Бу аёлнинг ҳамма нарсаси, бу юртдан чиқиб кетган кундан бошлаб бугунгача олинган жамики даромади билан бирга даласи қайтарилсин.

Элишай ва Орам шоҳи Банҳадад

7 Элишай Дамашққа келди. Орам шоҳи Банҳадад хаста эди. “Пайғамбар шу ерга келибди”, деб шоҳга хабар етказишди. 8 Шоҳ шунда Хазайил деган одамга* деди:

— Бирорта ҳадя олгин–да, пайғамбарга пешвоз чиқ. У орқали Эгамиздан сўраб кўр–чи, мен шу касалликдан халос бўлармиканман.

9 Хазайил Дамашқдаги энг яхши ҳадялардан қирқта туяга юклаб, Элишайни кутиб олгани кетди. Элишайнинг олдига келгач, унга шундай деди:

— Орам шоҳи — қулингиз Банҳадад мени сизнинг ҳузурингизга юборди. “Шу касалликдан халос бўлармиканман ёки йўқмикан, билиб кел”, деди.

10 — Шоҳнинг ҳузурига бориб, албатта соғайиб кетаркансиз, деб айт, — деди Элишай Хазайилга, — лекин Эгамиз менга аён қилди: шоҳ ўлади.

11 Хазайил уятдан қизаргунча, Элишай унинг юзига тик қараб тураверди. Кейин пайғамбар йиғлай бошлади.

12 — Ҳазратим нечун йиғлаяптилар? — деб сўради Хазайил.

— Исроил халқига қиладиган ёвузликларингни билганим учун йиғлаяпман, — деди Элишай. — Сен Исроил халқининг қалъаларига ўт қўясан, йигитларини қиличдан ўтказасан, гўдакларини ерга уриб ўлдирасан, ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб ташлайсан.

13 — Кўппакдан фарқ қилмайдиган мен, қулингиз, ким бўлибманки, шунақа ишларни қила олар эканман?! — деди Хазайил.

— Эгамиз менга аён қилди: сен Орам шоҳи бўласан*, — дея жавоб берди Элишай.

14 Хазайил Элишайнинг ҳузуридан чиқиб, ҳукмдори Банҳададнинг ёнига қайтиб келди.

— Элишай сенга нима деди? — сўради шоҳ Хазайилдан.

— У менга айтдики, сиз албатта соғайиб кетаркансиз, — деб жавоб берди Хазайил. 15 Эртаси куни Хазайил кўрпани олиб, сувга ботирди–да, ҳўл кўрпани шоҳнинг юзига ёпиб, уни бўғди. Шундай қилиб, Хазайил шоҳни ўлдириб, унинг ўрнига ўзи шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Ёҳурам

16 Ёҳушафат ҳали Яҳудо шоҳи бўлиб турганда, унинг ўғли Ёҳурам ҳам тахтга ўтирди*. Бу воқеа Исроил шоҳи Ёрам ҳукмронлигининг бешинчи йилида юз берди. 17 Ёҳурам Яҳудо шоҳи бўлганда, ўттиз икки ёшда эди. У Қуддусда саккиз йил ҳукмронлик қилди.

18 Хотини Ахабнинг қизи бўлгани учун Ёҳурам ҳам, Ахаб хонадони сингари,

Исроил шоҳлари йўлидан юриб, Эгамиз олдида қабиҳликлар қилди. 19 Эгамиз Ўз қули Довуд ҳақи–ҳурмати учун Яҳудони ҳалокатга учратишни истамади, чунки Эгамиз Довудга: “Сенинг наслингга то абад сўнмайдиган чироқ бераман”, деб ваъда қилган эди.

20 Ёҳурам даврида Эдом Яҳудо шоҳлигига қарши исён қилди. Эдом халқи ўзларининг мустақил шоҳлигини қурдилар. 21 Шундан сўнг Ёҳурам* ҳамма жанг аравaларини бошлаб Зоирга борди. Эдом лашкари Ёҳурамни ва унинг жанг аравалари сардорларини ўраб олган эди, лекин Ёҳурам тунда ҳужум қилиб, қамални ёриб чиқди. Яҳудо лашкари уйларига қочиб кетди. 22 Ўша пайтдан бери ҳозиргача* Эдом халқи Яҳудо ҳукмронлигидан озоддир. Ўша даврда Либна шаҳри* ҳам исён кўтарган эди.

23 Ёҳурамнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 24 Ёҳурам оламдан ўтди. У Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Охозиё шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Охозиё

25 Исроил шоҳи Ёрам ўн иккинчи йил шоҳлик қилаётганда, Охозиё Яҳудо шоҳи бўлди. У Ёҳурамнинг ўғли эди. 26 Охозиё тахтга ўтирганда, йигирма икки ёшда эди. У Қуддусда бир йил шоҳлик қилди. Онасининг исми Оталиё бўлиб, Исроил шоҳи Омрининг невараси эди. 27 Охозиё ҳам Ахаб хонадонининг йўлидан кетди. Ахаб наслига ўхшаб, Эгамиз олдида қабиҳликлар қилди. Чунки у Ахаб хонадонига қариндош эди.

28 Охозиё билан Ёрам бирга Гиладдаги* Рамўтга бориб, Орам шоҳи Хазайилга қарши уруш очди. Шоҳ Ёрам шу урушда ярадор бўлди. 29 У ярасини даволатиш учун Йизрил шаҳрига* қайтиб келди. Яҳудо шоҳи Охозиё эса яраланган Ёрамни кўргани Йизрилга борди.

9–БОБ

Ёҳу Исроил устидан шоҳ қилиб тайинланади

1 Элишай пайғамбарлар гуруҳидан биттасини чақириб, унга деди:

— Қани, бўл, қўлингга анави мой солинган идишни ол, Гиладдаги Рамўтга бор. 2 У ерга борганингдан кейин, Ёҳуни қидириб топ. Нимши деганнинг набираси Ёҳу Яҳошафат деган одамнинг ўғлидир. Уни ўртоқлари орасидан чақириб чиқиб, бошқа хонага олиб кир. 3 Сўнгра мой солинган идишни ол. Ёҳунинг бошига мойни суртгин–да, шундай дегин: “Эгамиз шундай айтмоқда: сенга мой суртиб, Исроил устидан шоҳ қилиб танладим.” Кейин эшикни очгин–у, кутмасдан қоч.

4 Ёш пайғамбар Гиладдаги Рамўтга кетди. 5 Ўша жойга етиб келганда, лашкарбошилар суҳбатлашиб ўтирган эди.

— Сенда гапим бор, лашкарбоши, — деди у.

— Қайси биримизда гапинг бор? — деб сўради Ёҳу.

— Сенда, лашкарбоши, — деди у Ёҳуга. 6 Ёҳу ўрнидан туриб, бошқа хонага кирди. Ёш пайғамбар унинг бошига мойни суртгач, деди:

— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: “Сенга мой суртиб, Ўзимнинг халқим Исроил устидан шоҳ қилиб тайинладим. 7 Сен ҳукмдоринг Ахабнинг хонадонини қириб ташлайсан, токи пайғамбар қулларим ва бошқа ҳамма қулларимнинг тўкилган қонлари учун Мен Изабелдан ўч олай. 8 Ахабнинг бутун хонадони йўқ бўлади. Исроилда Ахабнинг уруғидан ҳар бир эркак зотини, хоҳ қул бўлсин, хоҳ озод бўлсин, қириб ташлайман. 9 Ахаб хонадонини Набат ўғли Еробомнинг хонадони ва Охиё ўғли Башонинг хонадони кўйига соламан. 10 Изабел

эса Йизрил ерларида итларга ем бўлади, уни дафн қиладиган ҳеч кимса бўлмайди.”

У шундай деб эшикни очди–ю, қочди.

11 Ёҳу лашкарбоши дўстлари олдига қайтди.

— Тинчликми? Анави телба сенинг олдингга нима учун келибди? — деб сўрашди дўстлари ундан.

— Э, бунақа одамларни биласизлар–ку, валдирайверадилар–да, улар, — деди Ёҳу дўстларига.

12 — Эй ёлғончи! Қани, бизга ҳам айт–чи, — дейишди улар.

Ёҳу дўстларига: “Эгамиз менга мой суртиб Исроил устидан шоҳ қилиб тайинлабди”, деб пайғамбарнинг гапларини айтиб берди.

13 Ҳаммалари шошилиб қолишди. Ҳар ким либосларини ечиб, Ёҳу турган зинапояга тўшадилар ва бурғу чалиб: “Ёҳу шоҳ бўлди!” деб жар солдилар.

Ёҳу Ёрамни ўлдиради

14 Ёҳу Ёрамга қарши фитна уюштирди.

Бу пайтда бутун Исроил лашкари шоҳ Ёрам бошчилигида Гиладдаги Рамўт шаҳрини Орам шоҳи Хазайилдан ҳимоя қилаётган эди. 15 Ёрам* Хазайил билан жанг қилганда, Орам лашкари уни яралаган, Ёрам эса яраларини даволатиш учун Йизрилга қайтган эди*.

Ёҳу дўстларига:

— Агар сизлар мен томонда бўлсангизлар, шаҳардан бирор кимса чиқиб кетишига ва Йизрилга хабар олиб боришига йўл қўймanглар, — деди. 16 Ёҳу отига миниб, Йизрил шаҳрига йўл олди, чунки Ёрам касал бўлиб, у ерда ётган эди.

Яҳудо шоҳи Охозиё ҳам Ёрамни кўргани келган эди.

17 Йизрил минораси устида қоровул турарди.

Ёҳунинг одамлари яқинлашиб келарди. Қоровул уларни кўриб қолиб: “Бир талай одамни кўряпман”, деди. Ёрам қоровулга айтди:

— Бирорта отлиқни юбор, одамларни кутиб олиб: “Тинчлик билан келяпсизларми?” деб сўрасин.

18 Сувори Ёҳуга пешвоз чиқиб деди:

— Шоҳ: “Тинчлик билан келяпсизларми?” деб сўраяпти.

— Тинчликдан сенга нима?! Орқамдан юр, — деди Ёҳу. Қоровул эса: “Отлиқ уларнинг олдига етиб борди–ю, лекин қайтиб келмаяпти”, деб хабар берди.

19 Энди бошқа бир отлиқни юборишди, буниси ҳам уларнинг олдига келиб:

— Шоҳимиз: “Тинчлик билан келяпсизларми?” деб сўраяпти, — деди.

— Тинчликдан сенга нима?! Орқамдан юр, — деди Ёҳу.

20 Қоровул: “Отлиқ уларнинг олдига етиб борди–ю, қайтиб келмади, ўпкаси оғзига тиқилгандай ҳовлиқиб от чоптириб келишидан Ёҳуга ўхшайди”, деб хабар етказди.

21 — Аравани қўш! — деб буюрди Ёрам. Шоҳнинг жанг аравасини қўшдилар. Исроил шоҳи Ёрам ва Яҳудо шоҳи Охозиё ўз араваларига миниб, Ёҳуни кутиб олгани чиқдилар. Улар Ёҳуни Йизриллик Навўтнинг даласида* кутиб олдилар.

22 Ёрам Ёҳуни кўргач, унга:

— Тинчлик билан келдингми, Ёҳу? — деб сўради.

— Онанг Изабел бошлаган зиною сеҳр–жоду бизда ҳанузгача давом этиб келар экан, қанақасига тинчлик бўлсин?! — деди Ёҳу.

23 Ёрам Охозиёга: “Қочдик, Охозиё! Хоинлик бу!” деди–ю, от тизгинини буриб, қочиб қолди. 24 Ёҳу камонни кучи борича тортиб, Ёрамнинг иккала кураги ўртасини мўлжаллаб отди. Ўқ Ёрамнинг қоқ юрагини тешиб ўтди. Ёрам араваси

ичига йиқилди.
25 Ёҳу хизматкори Бидкарга деди:
— Унинг жасадини Йизриллик Навўтнинг даласига олиб бориб ташла, шуни ёдингдан чиқармагинки, биз, икковимиз, Ёрамнинг отаси Ахабнинг ортидан жанг аравасида борганимизда, Ахабга қарши Эгамиз шуни аён қилган эди: 26 “Кеча Навўт билан унинг ўғиллари қонини кўрдим. Сендан ўша далада қасос оламан.” Энди Эгамизнинг айтганига кўра, Ёрамнинг жасадини олиб, Навўтнинг даласига олиб бориб ташла.

Яҳудо шоҳи Охозиё ўлдирилади

27 Яҳудо шоҳи Охозиё бу ҳодисани кўриб, Байт–Хагон шаҳрига қараб қочди*. Ёҳу унинг ортидан қувиб кетаётганда:
— Уни ҳам ўлдиринглар! — деб бақирди. Йиблаём шаҳри ёнидаги Гур тепалигида аравасида турган Охозиёни отдилар. Охозиё Магидў шаҳрига қочиб бориб, ўша ерда жон берди. 28 Аъёнлари унинг жасадини аравада Қуддусга олиб келдилар ва Довуд қалъасида, ота–боболари хилхонасига дафн қилдилар.
29 Ахаб ўғли Ёрам ҳукмронлигининг ўн биринчи йилида Охозиё Яҳудо шоҳи бўлган эди.

Изабел ўлдирилади

30 Ёҳу Йизрилга борди. Изабел эса бу хабарни эшитиб кўзларига сурма суртиб, сочларини тараб, деразадан қараб турган эди. 31 Ёҳу шаҳар дарвозасидан киргач, Изабел:
— Ҳа, сенмисан, ҳукмдорини ўлдирган Зимридан* қолишадиган жойинг йўқ! Тинчлик билан келдингми? — деди.
32 Ёҳу кўзларини деразага қадаб:
— Ким мен томонда? Ким? — деб бақирди. Тепада ҳарам оғаларидан икки–учтаси пайдо бўлди. 33 — Уни пастга улоқтиринглар! — деб буюрди Ёҳу. Улар Изабелни ушлаб пастга улоқтирдилар. Унинг қони деворга, отларга сачради, Ёҳунинг оти жасадни эзғилаб ташлади.
34 Шундан кейин Ёҳу келиб, еб–ичди. Сўнгра:
— Анави лаънатини топиб, кўминглар, — деди, — нима бўлганда ҳам, шоҳ қизи–да*.
35 Лекин Изабелнинг жасадини дафн қилишга борган одамлар, унинг бош суяги, оёғи ва қўл панжасидан бошқа бирор аъзосини топа олмадилар.
36 Ҳаммалари қайтиб келиб, Ёҳуни аҳволдан хабардор қилдилар. Ёҳу уларга шундай деди:
— Эгамизнинг Ўз қули Илёс орқали айтган бу сўзлари бажо бўлди*:

> “Изабелнинг жасади Йизрил ерларида кўппакларга ем бўлар,
> 37 Унинг жасади Йизрил далаларидаги гўнгга ўхшаб қолар,
> Шунинг учун ҳеч ким, бу Изабелдир, деб айтмас.”

10–БОБ

Ахаб хонадони ўлдирилади

1 Ахабнинг Самария шаҳрида етмишта ўғли бор эди. Ёҳу Самариядаги оқсоқолларга ва Ахаб ўғилларининг мураббийларига ҳамда Йизрил бекларига шу мазмунда мактуб ёзиб юборди:
2 “Шоҳингизнинг ўғиллари сизлар билан бирга турибдилар, жанг араваларингиз, отларингиз ва қурол–яроғларингиз ҳам бор, ўзларингиз

мустаҳкам шаҳарда яшайсизлар. Ушбу мактуб сизларга етиб бориши биланоқ,
3 ҳукмдорингиз ўғилларидан энг муносибини танлаб олиб, отасининг ўрнига
тахтга ўтқазинглар ва ҳукмдорингизнинг хонадонини ҳимоя қилиш учун мен
билан жанг қилишга тайёрланинглар.”
4 Аммо Самариядагилар жуда қўрқиб кетдилар:
— Ёҳуга иккита шоҳ бардош беролмади–ю, биз қандай қилиб бардош
берардик?! — дейишди улар. 5 Шундан кейин бош вазир, шаҳар ҳокими,
оқсоқоллар, Ахаб ўғилларининг мураббийлари Ёҳуга шундай хабар беришди: “Биз
ҳеч кимни шоҳ қилмаймиз. Биз сизнинг қулларингизмиз, нима буюрсангиз, шуни
ижро қилармиз, сизга нима маъқул бўлса, шуни қилинг.”
6 Ёҳу эса уларга иккинчи марта шу мазмунда мактуб ёзди: “Агар сизлар мен
тарафда бўлиб, менга итоат этишга тайёр бўлсангизлар, ҳукмдорингиз
ўғилларининг бошларини олиб, эртага шу пайтда Йизрилга, менинг ҳузуримга
келтиринглар.” Шоҳнинг етмишта ўғли бўлиб, уларни шаҳарнинг энг
аслзодалари тарбия қилаётган эдилар. 7 Мактуб аслзодаларнинг қўлига теккач,
улар шоҳ ўғилларини ушлаб, ҳаммаларини — етмиш кишини бўғизладилар,
уларнинг бошларини саватга солиб, Йизрилга, Ёҳунинг ҳузурига жўнатдилар.
8 Хабарчи Ёҳуга: “Улар шоҳ ўғилларининг бошларини олиб келдилар”, деди.
Ёҳу: “Каллаларни дарвоза олдига икки тўп қилиб тахланглар, эрталабгача ўша
ерда қолсин”, деди.
9 Эртасига эрталаб Ёҳу халқнинг олдига чиқиб гапирди:
— Ўз ҳукмдоримга қарши мен исён кўтариб, уни ўлдирдим. Сизлар айбдор
эмассизлар. Лекин мана бу одамларни ким ўлдирди? 10 Шуни билиб қўйингларки,
Эгамизнинг Ахаб хонадони тўғрисида айтган биронта сўзи ижросиз қолмайди.
Эгамиз Ўз қули Илёс орқали айтган сўзини бажо қилди*.
11 Сўнгра Ёҳу Йизрилда Ахаб хонадонининг қолган–қутганини, унинг ҳамма
аъёнларини, яқинларини, руҳонийларини ўлдирди. Шундай қилиб, Ахабнинг
биронта ҳам одами тирик қолмади.

Шоҳ Охозиёнинг қариндошлари ўлдирилади

12 Шундан кейин Ёҳу Йизрилдан Самария томон йўлга чиқди. У йўлда
чўпонларга қарашли Байт–Акад деган жойда 13 Яҳудо шоҳи Охозиёнинг
қариндошлари билан учрашиб қолди ва улардан: “Сизлар кимсизлар?” деб
сўради.
— Биз Охозиёнинг қариндошларимиз, — дейишди улар. — Шоҳнинг
оиласидан ва малика Изабелнинг ўғилларидан хабар олгани кетяпмиз.
14 — Буларни тириклайин ушланглар! — деб буюрди Ёҳу одамларига. Уларни
тириклайин ушлаб ҳаммаларини — қирқ иккита одамни Байт–Акад сардобаси
ёнида бўғизладилар. Улардан бирортасини ҳам тирик қолдирмадилар.

Ахабнинг бошқа қариндошлари ўлдирилади

15 Ёҳу у ердан жўнаб кетди. Йўлда унга пешвоз чиққан Ёҳунадав билан
учрашиб қолди. Ёҳунадав Рахав деган одамнинг ўғли эди. Ёҳу у билан
саломлашиб:
— Сенга менинг ниятим холис, сенинг ниятинг ҳам холисми? — деб сўради.
— Шундай, — деб жавоб берди Ёҳунадав.
— Ундай бўлса, қўлингни бер, — деди Ёҳу. Ёҳунадав қўлини узатди. Ёҳу уни
ёнига — аравасига олди.
16 — Мен билан юр, мен Эгамиз учун қанчалик жон куйдиришимни кўриб қўй,
— деди Ёҳу унга. Сўнгра уни аравасида Самарияга олиб кетди. 17 Ёҳу Самарияга

етиб келгач, Эгамиз Илёс орқали айтганидай, Ахабнинг у ердаги қолган–қутган қариндошларини битта қўймай ўлдирди.

Баалга сиғинганлар ўлдирилади

18 Ёҳу жамики халқни тўплаб, уларга айтди:

— Ахаб Баалга унчалик сиғинмас эди, мен эса Баалга чин дилдан сиғинаман. 19 Энди менинг олдимга Баалнинг ҳамма пайғамбарларини чақириб келинглар, ҳеч ким келмай қолмасин, чунки мен Баалга жуда катта қурбонлик қиламан, келмаганлар ўлдирилади.

Аслида Ёҳу Баалга сиғинганларни ўлдириш мақсадида бир ҳийла ўйлаётган эди.

20 — Баалга бағишланган байрам йиғини бўлишини тайинланглар, — деди Ёҳу.

Бу тўғрида эълон қилдилар. 21 Ёҳу бутун Исроил бўйлаб хабар жўнатган эди, Баалга сажда қилувчиларнинг ҳаммаси келди, биронтаси ҳам келмай қолмади. Ҳамма Баалнинг уйига* кирди. Баалнинг уйи лиқ тўлди. 22 Ёҳу муқаддас либосларни сақловчи хизматкорга:

— Баалга сиғинадиганларнинг ҳаммасига либослар келтир, — деб амр берди.

Хизматкор ҳар бирига либос келтирди. 23 Шу пайт Ёҳу Ёҳунадав билан бирга Баалнинг уйига кирди–да, сажда қилувчиларга:

— Атрофингизга яхшилаб қаранг, — деди. — Орангизда Эгамизга хизмат қиладиганлардан ҳеч ким бўлмасин, бу ерда фақат Баалга сажда қилувчилар бўлсин.

24 Шундан кейин Ёҳу билан Ёҳунадав куйдириладиган ва бошқа қурбонликларни келтира бошладилар. Бундан олдин эса Ёҳу Баалнинг уйи атрофига саксон кишини қўйиб, уларга шундай амр берган эди: “Қўлингизга мана бу одамларни топшириляпман. Булардан бирортаси ҳам қочиб қолмасин. Ким қочишига йўл қўйса, боши билан жавоб беради.”

25 Ёҳу қурбонликларни куйдириб бўлиши биланоқ қўриқчиларга ва лашкарбошиларга: “Ичкарига кириб, ҳаммани ўлдиринглар, бирортаси ҳам қочиб кетмасин!” — деб буйруқ берди. Қўриқчилар ва лашкарбошилар ҳаммасини қилич дамидан ўтказиб, жасадларини ташқарига отдилар. Сўнгра Баалнинг уйидаги ичкари хонага кириб, 26 у ердаги бутсимон устунларни ташқарига олиб чиқиб, ёқиб юбордилар. 27 Баалга аталган тошни* синдирдилар, уйини вайрон қилдилар. Халқ бу жойни ҳожатхонага айлантирди. Ўша жой бугунгача* ҳожатхона бўлиб қолган.

28 Шундай қилиб, Ёҳу Исроил ерида Баалга сажда қилишга барҳам берди. 29 Бироқ Ёҳу Исроил халқини гуноҳга ботирган Набат ўғли Ерибом қилган гуноҳларга эргашди, яъни Байтил ва Дандаги олтин бузоқларга сажда қилишдан* у қайтмади.

30 Эгамиз Ёҳуга:

— Менинг олдимда тўғри иш қилиб муваффақият қозондинг, — деди. — Ахаб хонадонига қарши Мен нима истаган бўлсам, ҳаммасини қилдинг. Бунинг учун сенинг наслинг тўртинчи авлодигача Исроил тахтида ўтиради.

31 Аммо Ёҳу Исроил халқининг Худоси — Эгамизнинг қонунларига бутун қалби билан итоат қилмади, Исроил халқини гуноҳга ботирган Ерибом қилган гуноҳларга эргашди.

Ёҳунинг ўлими

32-33 Ўша пайтда Эгамиз Исроил ерларини парчалаб, кичрайтира бошлади.

Орам шоҳи Хазайил Иордан дарёсининг шарқида Гад, Рубен, Манаше

қабилалари яшайдиган бутун Гилад ерларини, Арнон сойлигидаги Арор шаҳридан Гилад ва Башан ўлкаларига қадар бўлган жамики Исроил ерларини босиб олди.

34 Ёҳунинг бошқа ишлари, бутун фаолияти ва қаҳрамонликлари ҳақида
“Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 35 Ёҳу оламдан ўтди. У Самарияда
ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Ёҳухоз шоҳ бўлди. 36 Ёҳу
Самарияда йигирма саккиз йил Исроилга ҳукмронлик қилди.

11–БОБ

Яҳудо маликаси Оталиё

1 Оталиё* ўз ўғли шоҳ Охозиёнинг ўлдирилганини эшитгач, Яҳудода
Охозиёнинг жамики уруғини қириб ташлашга киришди. 2 Шоҳнинг ҳамма
ўғилларини ўлдириш режалаштирилган эди. Шоҳ Ёҳурамнинг* Ёҳушева* деган
қизи бор эди. Ёҳушева Охозиёга ўгай сингил эди. Ёҳушева Охозиёнинг ўғли
Йўшни шоҳнинг ўғиллари орасидан билдирмасдан олиб қочди. Оталиё болани
ўлдирмаслиги учун уни энагаси билан бирга Эгамизнинг уйидаги ётоқхонага
яширди. 3 Оталиё юртни бошқарган пайтда, бола олти йил давомида Эгамизнинг
уйида энагаси билан бирга яшириниб юрди.

4 Еттинчи йили руҳоний Ёҳайидо Харёллик қўриқчиларнинг*
лашкарбошиларига ва сарой қўриқчиларининг лашкарбошиларига хабар бериб,
уларни чақиртирди. Ҳаммаларини Эгамизнинг уйига йиғиб, улар билан аҳд тузди.
Ҳаммаларига Эгамизнинг уйида онт ичиргандан кейин, шоҳнинг ўғли Йўшни
уларга кўрсатди. 5 Ёҳайидо уларга шундай буюрди: “Энди сизлар бундай
қиласизлар: Шаббат куни хизматда бўлган қўриқчиларнинг учдан бири шоҳ
саройини қўриқлашади. 6 Учдан бири Сур дарвозасини, учдан бири эса сарой
дарвозасини қўриқлашади ва сарой қўриқчилари ўрнига туришади. 7 Шаббат
куни хизматда бўлмаган бошқа икки қисм сипоҳларингиз эса Эгамизнинг уйи
атрофида туриб шоҳни қўриқласин. 8 Ҳамма қўлида қуроли билан шоҳни ҳар
томондан ўраб олсин, ким сафга яқинлашса, ўлдирилсин. Шоҳ кирганда ҳам,
чиққанда ҳам, унга ҳамроҳ бўлинглар.”

9 Юзбошилар руҳоний Ёҳайидонинг амрларини сўзсиз бажардилар. Ҳар бир
юзбоши Шаббат куни хизматини бошлаган ва хизматини тугатган
қўриқчиларини олиб, Ёҳайидонинг ёнига борди. 10 Руҳоний Эгамизнинг уйида
турган шоҳ Довуднинг найзаларию қалқонларини юзбошиларга тарқатди.
11 Шоҳни қўриқлаш учун уйнинг жануб томонидан шимол томонигача,
қурбонгоҳнинг ва уйнинг атрофига соқчилар жангга шай ҳолда қўйилди.

12 Ёҳайидо Йўшни ташқарига олиб чиқиб, бошига тож кийдирди. Унга шоҳлик
қонунларини* берди. Йўш шоҳ деб эълон қилинди. Унинг бошига мой суртишди,
сўнгра: “Шоҳимизнинг умрлари узоқ бўлсин!” дея олқишлаб, қарсак чалдилар.

13 Оталиё қўриқчилар билан халқнинг шовқин–суронини эшитгач, Эгамизнинг
уйига, у ерда йиғилганларнинг ёнига борди. 14 Қарасаки, одатга кўра, Эгамизнинг
уйига кираверишдаги устун олдида шоҳ турибди, шоҳнинг атрофини
лашкарбошилар, карнайчилар ўраб олган. Юртнинг бутун халқи шод–хуррам,
карнай чаляпти. Шунда Оталиё ғазабдан либосларини йиртиб: “Хоинлик!
Хоинлик!” деб бақирди.

15 Руҳоний Ёҳайидо юзбошиларга: “У хотинни бу ердан олиб чиқиб кетинглар,
кимки унга эргашса, қиличдан ўтказинглар”, деб буйруқ берди. Руҳоний ўша
аёлнинг Эгамиз уйида ўлдирилишини истамади. 16 Оталиё ушланди ва саройнинг

От дарвозасига келтирилиб, ўша ерда қатл қилинди.

Ёҳайидо қилган ислоҳотлар

17 Руҳоний Ёҳайидо халқ, шоҳ ва Эгамиз орасида “Биз Эгамизнинг халқи
бўламиз” деб аҳд тузди. Ундан кейин халқ билан шоҳ орасида ҳам аҳд тузди.
18 Сўнг бутун халқ Баалнинг уйига бориб, уни бузиб ташлади, у ердаги
қурбонгоҳларни ва Баалнинг тасвирларини синдирди, Баалнинг руҳонийси
Маттонни эса қурбонгоҳларнинг рўпарасида ўлдирди. Руҳоний Ёҳайидо
Эгамизнинг уйига қўриқчилар тайин қилди. 19 Сўнгра юзбошиларни, Харёллик
қўриқчиларни, сарой қўриқчиларини ва жамики халқни ёнига олиб, шоҳни
Эгамизнинг уйидан олиб чиқди. Улар қўриқчилар дарвозасидан ўтиб, шоҳни
саройга олиб келдилар ва тахтга ўтқаздилар. 20 Оталиё шоҳ саройида
ўлдирилгани учун юрт халқи севинди. Қуддус осойишта бўлиб қолди. 21 Йўш*
тахтга ўтирган пайтда етти ёшда эди.

12–БОБ

Яҳудо шоҳи Йўш

1 Исроил шоҳи Ёҳу ҳукмронлигининг еттинчи йилида Йўш* Яҳудо шоҳи бўлган
эди. У Қуддусда қирқ йил ҳукмронлик қилди. Онаси Бершеба шаҳридан бўлиб,
исми Зибиёх эди.
2 Йўш умри бўйи Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди, чунки руҳоний Ёҳайидо
унга йўл кўрсатарди. 3 Лекин саждагоҳлар* ҳамон йўқ қилинмаган, халқ ҳали ҳам
ўша жойларда қурбонлик қилиб, тутатқи тутатарди.
4 Йўш руҳонийларга фармон берди:
— Эгамизнинг уйига эҳсон сифатида олиб келинган кумушни, доимий
солиқни, ваъда қилинган назрни ва ихтиёрий берилган ҳадяларни тўпланглар.
5 Бу кумушларни руҳонийлар олиб келувчилардан қабул қилиб олиб, Эгамиз
уйининг бузилган жойларини тузатишга сарфлашсин.
6 Йўш ҳукмронлигининг йигирма учинчи йилида ҳам руҳонийлар Эгамиз
уйининг бузилган жойларини ҳали тузатмаган эдилар. 7 Шундан кейин шоҳ Йўш
руҳоний Ёҳайидо билан бошқа руҳонийларни чақириб:
— Нимага Эгамизнинг уйини тузатмаяпсизлар? — деди уларга, — энди
одамлардан кумуш олманглар. Олган кумушларингизни Эгамизнинг уйини
тузатишга беринглар.
8 Руҳонийлар халқдан ўзлари пул йиғмасликка ва Эгамизнинг уйи
таъмирланишини назорат қилмасликка рози бўлишди. 9 Руҳоний Ёҳайидо бир
қути олиб, қопқоғи устидан тешик очди. Уни қурбонгоҳнинг ёнига — одамлар
Эгамизнинг уйига кирадиган жойнинг ўнг томонига жойлаштирди. Остонада
қоровул бўлиб турган руҳонийлар Эгамизнинг уйига келтирилган ҳамма
кумушни қутига ташлайверишди. 10 Қутида кўп пул йиғилгандан кейин, шоҳнинг
мирзаси билан олий руҳоний келиб, Эгамизнинг уйига келтирилган кумушларни
қопларга солиб тортишарди. 11 Тортилган кумушлар Эгамизнинг уйидаги
ишларнинг бошида турган одамларга бериларди. Улар эса бу кумушларни
Эгамизнинг уйида ишлаётган дурадгор ва бинокорларга, 12 тош терувчиларга,
сангтарошларга тўлашар, уйни тузатмоқ учун ёғоч ва тош сотиб олишга
ишлатишар, уйни тузатишга керак бўлган бошқа ашёларга сарф қилишарди.
13 Эгамизнинг уйида йиғилган кумуш бу жой учун кумуш тоғоралар, қайчилар,
тоғорачалар ва карнайлар, ҳар хил олтин ёки кумуш буюмлар ясашга сарф
қилинмади. 14 Бу кумушнинг ҳаммаси ишловчиларга тўлашга ва уйни тузатишга

сарф қилинди. 15 Эгамизнинг уйида ишловчиларга пул тақсимлайдиган
одамлардан ҳисоб–китоб талаб қилинмади, чунки улар ҳалол ишлашди.
16 Айб ва гуноҳ қурбонликларига қўшиб, зарарни қоплаш учун бериладиган
пул эса Эгамизнинг уйига олиб киритилмасди. Бу пул руҳонийларга тегишли эди.
17 Ўша пайтда Орам шоҳи Хазайил Гат шаҳрига* ҳужум қилиб, шаҳарни қўлга
киритди. Кейин Қуддусга ҳужум қилмоққа қарор қилди. 18 Яҳудо шоҳи Йўш эса
ота–боболари — Яҳудо шоҳлари Ёҳушафатнинг, Ёҳурамнинг, Охозиёнинг ва
ўзининг Эгамизга атаган ҳамма муқаддас назрларини, Эгамизнинг уйидан ва
сарой хазиналаридан олинган жамики олтинларни Орам шоҳи Хазайилга юборди.
Шундан кейин Хазайил Қуддусга ҳужум қилиш қароридан қайтди.
19 Йўшнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида
ёзилган. 20 Шоҳ Йўшнинг аъёнлари исён кўтариб, уни Силлога борадиган йўлда —
Миллодаги* уйда ўлдирдилар. 21 Уни ўлдирганлар Йўшнинг аъёнларидан Шимат
деган одамнинг ўғли Йўзабад билан Шўмер деганнинг ўғли Ёҳузабад эдилар. Йўш
Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Эмозиё
шоҳ бўлди.

13–БОБ

Исроил шоҳи Ёҳухоз

1 Яҳудо шоҳи Йўш ҳукмронлигининг йигирма учинчи йилида Ёҳухоз
Самарияда Исроил тахтига ўтирди ва ўн етти йил ҳукмронлик қилди. Ёҳухоз
Ёҳунинг ўғли эди. 2 Ёҳухоз Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди ва Исроилни
гуноҳга ботирган Набат ўғли Еробомнинг қилган гуноҳларига эргашди. У қабиҳ
йўлидан асло қайтмади.
3 Шунинг учун Эгамиз Исроилдан ғазабланди ва Исроил халқини узоқ вақт
Орам шоҳи Хазайил билан Хазайилнинг ўғли Банҳададнинг қўлига бериб қўйди.
4 Шу сабабдан Ёҳухоз Эгамизга илтижо қилган эди, Эгамиз унинг илтижоларини
эшитди. Исроил халқи чеккан азоб–уқубатларни, Орам шоҳи уларни сиқувга
олганини Эгамиз кўриб турарди. 5 Эгамиз Исроилга бир қутқарувчи* юборгандан
кейин, улар Орам халқининг зулмидан халос бўлди ва олдингидай тинчгина
яшайверди. 6 Аммо халқ Еробом хонадони Исроилга олиб кирган гуноҳларга
эргашаверди, бу гуноҳлардан қайтмади. Ашерага* аталган устун ҳали ҳам
Самарияда турган эди. 7 Орам шоҳи Ёҳухознинг лашкарини қириб, кулини кўкка
совурган эди. Ёҳухознинг элликта отлиқ сипоҳи, ўнта жанг араваси, ўн мингта
пиёда сипоҳидан бошқа кучи қолмаган эди. 8 Ёҳухознинг бошқа ишлари, бутун
фаолияти ва унинг қаҳрамонликлари “Исроил шоҳлари тарихи” китобида
ёзилган. 9 Ёҳухоз оламдан ўтди. У Самарияда ота–боболари ёнига дафн қилинди.
Унинг ўрнига ўғли Ёҳўш* шоҳ бўлди.

Исроил шоҳи Ёҳўш

10 Яҳудо шоҳи Йўш ҳукмронлигининг ўттиз еттинчи йилида Ёҳўш Самарияда
Исроил тахтига ўтирди ва ўн олти йил ҳукмронлик қилди. Ёҳўш Ёҳухознинг ўғли
эди. 11 У Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди. Исроилни гуноҳга ботирган Набат
ўғли Еробом қилган жамики гуноҳларга эргашди, бу гуноҳлардан қайтмади.
12 Ёҳўшнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти, Яҳудо шоҳи Эмозиё билан жанг
қилганда кўрсатган қаҳрамонликлари “Исроил шоҳлари тарихи” китобида
ёзилган. 13 Ёҳўш оламдан ўтиб, Самарияда ота–боболари — Исроил шоҳлари ёнига
дафн қилинди. Ўрнига ўғли Ёрубом шоҳ бўлди.

Элишайнинг ўлими

14 Элишай тузалмас хасталикка йўлиққанда, Исроил шоҳи Ёҳўш уни зиёрат
қилгани бориб: “Отам! Отам! — деб йиғлаган эди. — Сиз Исроилнинг қудратли
ҳимоячисисиз–ку! Исроилнинг жанг араваси ва отлиқ лашкари кабисиз!* Бизни
ташлаб кетманг!”
15 Ўшанда Элишай шоҳга: “Ёйинг билан ўқларингни ол!” деди. Шоҳ ёйи билан
ўқларини олди. 16 Элишай: “Ёйни ҳозирла!” деб шоҳга буюрди. Шоҳ ёйни
ҳозирлагач, Элишай қўлларини шоҳнинг қўллари устига қўйди. 17 Сўнгра унга:
“Шарқ томондаги деразани оч!” деб буюрди. Шоҳ деразани очгандан кейин,
Элишай: “Ўқни от!” деди. Шоҳ ўқни отди.
— Бу ўқ Эгамиз берадиган нажот аломатидир, у сени Орам лашкари устидан
зафарга эриштиради, — деди Элишай. — Сен Орам лашкарини Офоқда йўқ
қиласан.
18 Кейин Элишай шоҳга: “Қолган ўқларни ол!” деб буюрди. Исроил шоҳи
ўқларни олгач, Элишай унга: “Ўқларни ерга ур!” деди. Шоҳ ўқларни уч марта ерга
уриб, тўхтаб қолди. 19 Шунда пайғамбар шоҳдан аччиқланди:
— Беш–олти марта уришинг лозим эди, ўшанда Орам лашкарини тамомила
мағлуб қилган бўлардинг. Энди эса уларни уч мартагина мағлуб этасан, холос.
20 Шундан кейин Элишай вафот этди, уни дафн қилдилар. Ҳар йили баҳорда
Мўабдан босқинчилар Исроил ерларига бостириб келарди. 21 Бир сафар Исроил
одамлари бир марҳумни дафн қилаётган эдилар, Мўаблик босқинчиларни
кўрдилар–у, жасадни Элишайнинг хилхонасига ташлаб қочдилар. Жасад
Элишайнинг суякларига текканда тирилиб кетди ва оёққа турди.

Исроил билан Орам ўртасидаги уруш

22 Орам шоҳи Хазайил Ёҳухознинг бутун шоҳлиги даврида Исроил халқига
зулм ўтказиб келган эди. 23 Аммо Эгамиз Исроил халқига раҳм–шафқат кўрсатиб,
Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб билан қилган аҳдига кўра, Исроил халқига юз бурган эди.
Эгамиз ҳозиргача* Исроил халқини Ўз ҳузуридан қувиб чиқармади ва уларнинг
қирилиб кетишига йўл қўймади.
24 Орам шоҳи Хазайил вафот этгач, ўрнига ўғли Банҳадад шоҳ бўлди. 25 Сўнгра
Ёҳўш отаси Ёҳухоз шоҳлиги даврида бой берган шаҳарларни Хазайилнинг ўғли
Банҳададдан қайтариб олди. Банҳададни уч марта мағлуб қилиб, Исроил
шаҳарларига бошқатдан эгалик қилди.

14–БОБ

Яҳудо шоҳи Эмозиё

1 Исроил шоҳи Ёҳўш* ҳукмронлигининг иккинчи йилида Эмозиё Яҳудо шоҳи
бўлди. Эмозиё Йўшнинг ўғли эди. 2 Эмозиё шоҳ бўлганда, йигирма беш ёшда эди. У
Қуддусда йигирма тўққиз йил ҳукмронлик қилди. Онаси Қуддуслик бўлиб, исми
Ёҳуваддон эди.
3 Эмозиё Эгамиз олдида тўғри ишлар қилса ҳам, бобоси Довуд каби эмасди. У
ҳар қандай ишни отаси Йўш каби қилди. 4 Шу боисдан саждагоҳлар* ҳамон йўқ
қилинмаган, халқ у ерларда ҳали ҳам қурбонликлар келтириб, тутатқи тутатарди.
5 Эмозиё ўз шоҳлигини мустаҳкамлаб олгандан кейин, отасини ўлдирган
аъёнларни йўқ қилди. 6 Бироқ Мусонинг Таврот китобида ёзилганига кўра,
қотилларнинг болаларини ўлдирмади, чунки Эгамиз: “Оталар фарзандларининг
гуноҳи учун ўлдирилмасин, фарзандлар оталарининг гуноҳи учун ўлдирилмасин,
ҳар ким ўзининг гуноҳи учунгина жазолансин”, деб амр қилган эди*.

7 Эмозиё Туз водийсида* ўн мингта Эдом сипоҳини ўлдирди. Села шаҳрини
жанг қилиб қўлга киритди ва у ерга Ёхтал деб ном берди. Ўша жой ҳозир ҳам шу
ном билан юритилади.
8 Шундан сўнг Эмозиё Исроил шоҳи Ёҳўшга хабарчилар жўнатиб: “Қани, менга
жанг майдонида рўбарў келиб кўр–чи”, деди.
9 Исроил шоҳи Ёҳўш эса бунга жавобан Яҳудо шоҳи Эмозиёга шу хабарни
жўнатди: “Лубнон тоғларида бир ғовтикан садр дарахтига, қизингни ўғлимга
хотинликка бер, деб хабар йўллабди. Ўша пайтда бир йиртқич ҳайвон ўша ердан
ўтиб кетаётиб, ғовтиканни босиб янчиб кетибди. 10 Шунга ўхшаб, сен ҳам Эдом
халқини мағлуб этганинг учун мағрурланиб кетдинг, Эмозиё. Ўша шуҳратинг
билан кифояланиб, уйингда ўтиравер. Нима учун қитмирлик қиляпсан? Ўз
бошингни ҳам, Яҳудо халқининг бошини ҳам балога гирифтор қиляпсан!”
11 Лекин Эмозиё қулоқ солмади. Шунинг учун Исроил шоҳи Ёҳўш Яҳудо шоҳи
Эмозиё устига юриш қилди. Иккала томоннинг лашкари Яҳудонинг Байт–Шамаш
шаҳрида* рўбарў келди. 12 Исроил лашкари Яҳудо лашкарини мағлуб этди. Яҳудо
лашкарининг ҳаммаси уйларига қочиб кетди. 13 Исроил шоҳи Ёҳўш Яҳудо шоҳи
Эмозиёни Байт–Шамашда асир қилиб олди. Эмозиё Охозиёнинг невараси,
Йўшнинг ўғли эди. Сўнг Ёҳўш Қуддусга келиб, Қуддус деворининг Эфрайим
дарвозасидан Бурчак дарвозасигача бўлган 400 тирсак* қисмини буздирди.
14 Эгамизнинг уйида ва саройнинг хазиналарида топилган олтину кумушни ва
ашёларни тортиб олди. Булардан ташқари, асирларни ҳам олиб, Самарияга
қайтиб кетди.
15 Ёҳўшнинг бошқа ишлари, Яҳудо шоҳи Эмозиё билан жанг қилганда
кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган.
16 Ёҳўш оламдан ўтди. У Самарияда ота–боболари — Исроил шоҳлари ёнига дафн
қилинди. Унинг ўрнига ўғли Ёрубом шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Эмозиёнинг ўлими

17 Яҳудо шоҳи Эмозиё Исроил шоҳи Ёҳўшнинг ўлимидан кейин ўн беш йил
яшади. 18 Эмозиёнинг бошқа ишлари ҳақида “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида
ёзилган. 19 Қуддусда Эмозиёга қарши фитна уюштирилди. Эмозиё бундан хабар
топиб, Лахиш шаҳрига* қочди. Аммо душманлари Эмозиёнинг ортидан одам
юбориб, уни ўша ерда ўлдиртирдилар. 20 Эмозиёнинг жасадини отда Қуддусга
олиб келдилар. У Довуд қалъасида, ота–боболарининг ёнига дафн қилинди.
21 Сўнгра Яҳудо халқи ўн олти ёшли Уззиёни* отаси Эмозиёнинг ўрнига шоҳ
қилиб кўтардилар. 22 Отаси Эмозиё оламдан ўтгач, Уззиё Элет шаҳрини* қайтадан
Яҳудо ерларига қўшиб олиб, бошқатдан қурди.

Исроил шоҳи Ёрубом

23 Яҳудо шоҳи Эмозиё ҳукмронлигининг ўн бешинчи йилида Ёрубом
Самарияда Исроил шоҳи бўлди ва қирқ бир йил ҳукмронлик қилди. Ёрубом
Ёҳўшнинг ўғли эди. 24 У Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди ва Исроилни гуноҳга
ботирган Набат ўғли Ерибом қилган гуноҳларга эргашди.
25 Ёрубом Лево–Хоматдан* Ўлик денгизгача* бўлган Исроил ерларини
қайтадан қўлга киритди. Зотан, Исроил халқининг Худоси — Эгамиз Ўз қули
Юнус пайғамбар орқали бу тўғрида айтган эди. Юнус Амитай деганнинг ўғли
бўлиб, у Гат–Хафер шаҳридан эди.
26 Эгамиз Исроил халқи тортаётган ниҳоятда оғир азобларни кўрди. Бу ерда
Исроилга ёрдам беришга қодир на қул, на озод қолган эди. 27 Эгамиз Исроил халқи
номини ер юзидан ўчиришни истамагани учун Ёрубом орқали уларни қутқарган

эди.
28 Ёрубомнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти, жангларда кўрсатган
қаҳрамонликлари, илгаридан Яҳудога қарашли бўлган Дамашқ ва Хоматни*
қайтадан Исроил ерларига қўшиб олгани тўғрисида “Исроил шоҳлари тарихи”
китобида ёзилган. 29 Ёрубом оламдан ўтиб, ота–боболари — Исроил шоҳлари
ёнига дафн қилинди. Ўрнига ўғли Закариё шоҳ бўлди.

15–БОБ

Яҳудо шоҳи Уззиё

1 Ёрубом Исроилда ҳукмронлик қилаётганига йигирма етти йил бўлганда,
Уззиё* Яҳудо шоҳи бўлди. Уззиё Эмозиёнинг ўғли эди. 2 Уззиё шоҳ бўлганда, ўн
олти ёшда эди. У Қуддусда эллик икки йил ҳукмронлик қилди. Онаси Қуддуслик
бўлиб, исми Ёхолиё эди.
3 Уззиё ҳам, отаси Эмозиё каби, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. 4 Лекин
саждагоҳлар* ҳамон йўқ қилинмаган, халқ ўша жойларда ҳали ҳам қурбонликлар
келтириб, тутатқи тутатарди.
5 Эгамиз Уззиёни жазолаб, тузалмас тери касаллигига* йўлиқтирди. Уззиё
умрининг охиригача бир уйда ёлғиз яшади. Юртдаги халқни ҳам, шоҳ саройини
ҳам ўғли Йўтом бошқararди.
6 Уззиёнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида
ёзилган. 7 Уззиё оламдан ўтиб, Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн
қилинди. Унинг ўрнига ўғли Йўтом шоҳ бўлди.

Исроил шоҳи Закариё

8 Уззиё Яҳудода шоҳлик қилаётганига ўттиз саккиз йил бўлганда, Закариё
Самарияда Исроил шоҳи бўлди ва олти ой ҳукмронлик қилди. Закариё
Ёрубомнинг ўғли эди. 9 У ҳам, оталари каби, Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилиб,
Исроилни гуноҳга ботирган Набат ўғли Ерибом қилган гуноҳларга эргашди.
10 Шаллум деган одам Закариёга қарши фитна уюштирди. Шаллум Ёбош
деганнинг ўғли эди. Ҳамманинг олдида Закариёни ўлдириб, ўрнига ўзи шоҳ
бўлди. 11 Закариёнинг бошқа ишлари “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган.
12 Шундай қилиб, Эгамизнинг Ёҳуга: “Сенинг наслинг тўртинчи авлодигача
Исроил тахтида ўтиради”, деб айтган ваъдаси амалга ошди*.

Исроил шоҳи Шаллум

13 Уззиё Яҳудода шоҳлик қилаётганига ўттиз тўққиз йил бўлганда, Шаллум
Исроил шоҳи бўлди ва Самарияда бир ой ҳукмронлик қилди. 14 Манахим деган
одам Тирзадан* Самарияга келиб, Шаллумга суиқасд уюштирди. Манахим Гади
деганнинг ўғли эди. Манахим Шаллумни ўлдириб, ўрнига ўзи шоҳ бўлди.
15 Шаллумнинг бошқа ишлари ва у қилган фитна ҳақида “Исроил шоҳлари
тарихи” китобида ёзилган. 16 Ўшанда Тифсах аҳолиси таслим бўлмагани учун
Манахим Тирзадан жўнаб кетди–да, бориб Тифсах шаҳри ва унинг атрофидаги
қишлоқларни қирди. Ҳатто ҳомиладор аёлларнинг қоринларини ёриб ташлади.

Исроил шоҳи Манахим

17 Уззиё Яҳудода шоҳлик қилаётганига ўттиз тўққиз йил бўлганда, Гади ўғли
Манахим Исроил шоҳи бўлган эди. Манахим Самарияда ўн йил ҳукмронлик қилди.
18 У Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилиб, Исроилни гуноҳга ботирган Набат ўғли
Ерибом қилган гуноҳларга умри бўйи эргашди.
19 Шундан кейин Оссурия шоҳи Тиғлатпиласар* Исроил ерларига ҳужум қилди.

“Тиғлатпиласар мени қўллаб–қувватласин, ўзим шоҳ бўлиб қолай” деган мақсадда Манахим унга 2000 пуд* кумуш берди. 20 Манахим Исроилдаги ҳамма бойларни одам бошига эллик кумуш тангадан* тўлашга мажбур қилиб, Оссурия шоҳига берилган кумушнинг ўрнини қоплади. Шундан сўнг Оссурия шоҳи Исроил ерларидан чиқиб, юртига қайтиб кетди.

21 Манахимнинг бошқа ишлари, унинг бутун фаолияти “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 22 Манахим оламдан ўтгач, ўрнига ўғли Пакахиё шоҳ бўлди.

Исроил шоҳи Пакахиё

23 Уззиё Яҳудода шоҳлик қилаётганига эллик йил бўлганда, Пакахиё Самарияда Исроил шоҳи бўлди ва икки йил ҳукмронлик қилди. Пакахиё Манахимнинг ўғли эди. 24 Пакахиё Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилиб, Исроилни гуноҳга ботирган Набат ўғли Еribом қилган гуноҳларга эргашди.

25 Пеках деган лашкарбоши Пакахиёга қарши фитна уюштирди. Пеках Рамалиё деган одамнинг ўғли эди. Пеках ёнига Гиладлик элликта одамни олиб, Самариядаги шоҳ саройининг қалъасида Пакахиёни, Аргоб ва Орейни ўлдирди. Унинг ўрнига Пекахнинг ўзи шоҳ бўлди.

26 Пакахиёнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган.

Исроил шоҳи Пеках

27 Уззиё Яҳудода шоҳлик қилаётганига эллик икки йил бўлганда, Пеках Самарияда Исроил шоҳи бўлди ва йигирма йил ҳукмронлик қилди. 28 У Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилиб, Исроилни гуноҳга ботирган Набат ўғли Еribом қилган гуноҳларга эргашди.

29 Исроил шоҳи Пеках даврида Оссурия шоҳи Тиғлатпиласар* бостириб келиб, Исроилнинг Ийхон, Овил–Байт–Махо, Ёнох, Кедеш, Хазор шаҳарлари билан бирга Гилад, Жалила ва бутун Нафтали ҳудудларини қўлга киритди ҳамда бу ерлардаги халқни Оссурияга асир қилиб олиб кетди.

30 Яҳудо шоҳи Йўтом ҳукмронлигининг йигирманчи йилида Хўшея Пекахга фитна уюштириб, уни ўлдирди ва ўрнига ўзи шоҳ бўлди. Хўшея Элох деганнинг ўғли эди.

31 Пекахнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган.

Яҳудо шоҳи Йўтом

32 Исроил шоҳи Пеках ҳукмронлик қилаётганига икки йил бўлганда, Йўтом Яҳудо шоҳи бўлди. Йўтом Уззиёнинг ўғли эди. 33 Йўтом йигирма беш ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўн олти йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Еруша бўлиб, у Зодўхнинг қизи эди.

34 Йўтом, отаси Уззиё каби, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. 35 Аммо саждагоҳлар ҳамон йўқ қилинмаган, халқ ўша саждагоҳларда қурбонликлар келтириб, тутатқи тутатарди. Йўтом Эгамиз уйининг Юқори Дарвозасини қурди.

36 Йўтомнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти ҳақида “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 37 Ўша кунларда Орам шоҳи Ратан билан Исроил шоҳи Пекахнинг Яҳудога ҳужум қилишларига Эгамиз йўл қўйиб берди. 38 Йўтом оламдан ўтиб, бобоси Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Охоз шоҳ бўлди.

16–БОБ

Яҳудо шоҳи Охоз

1 Исроил шоҳи Пеках ҳукмронлик қилаётганига ўн етти йил бўлганда, Охоз
Яҳудо шоҳи бўлди. Охоз Йўтомнинг ўғли эди. 2 Охоз йигирма ёшида шоҳ бўлиб,
Қуддусда ўн олти йил ҳукмронлик қилди. У бобоси Довуддан намуна олмади,
Эгаси Худо олдида тўғри ишлар қилмай, 3 Исроил шоҳларининг йўлидан кетди.
Канъон юртидан Эгамиз қувган қавмларнинг жирканч одатларига тақлид қилиб,
ҳатто ўз ўғлини қурбонлик қилиб, оловда куйдирди*. 4 Саждагоҳларда*,
тепаликларда ва ҳар қандай яшил дарахт остида қурбонликлар келтириб,
тутатқи тутатарди.

5 Орам шоҳи Ратан билан Исроил шоҳи Пеках Қуддусни босиб олиш учун юриш
қилдилар. Шаҳарни қамал қилиб турсалар–да, Охозни енга олмадилар. 6 Шунда
Орам шоҳи Ратан Элет шаҳрини қўлга киритиб, у ердаги Яҳудо халқини ҳайдаб
чиқарди. Элетга жойлашган Орам халқи* ҳозир ҳам ўша ерда истиқомат қилади.

7 Охоз Оссурия шоҳи Тиғлатпиласарга: “Мен сизга қарамман*, қулингизман,
келинг, менга ҳужум қилаётган Орам ва Исроил шоҳларининг қўлидан мени
қутқаринг”, деб элчилар жўнатди. 8 Эгамизнинг уйидаги ва шоҳ саройининг
хазиналаридаги олтину кумушларни Оссурия шоҳига ҳадя қилиб юборди.

9 Оссурия шоҳи Охознинг илтимосига рози бўлди. Дамашққа ҳужум қилиб, бу
шаҳарни босиб олди. Шаҳар аҳолисини Хирга суриб чиқарди ва шоҳ Ратанни
ўлдирди.

10 Шоҳ Охоз Оссурия шоҳи Тиғлатпиласар билан учрашиш учун Дамашққа
борганда, у ердаги қурбонгоҳни кўрди. Қурбонгоҳнинг режасини ҳамма
икир–чикирларигача чизиб, тайёрлаб, руҳоний Уриёга юборди. 11 Шоҳ Охоз
Дамашқдан қайтгунга қадар, руҳоний Уриё, у юборганлари бўйича, айнан
ўшандай қурбонгоҳ қурди.

12 Шоҳ Дамашқдан қайтгач, янги қурбонгоҳни кўриб, унинг устида
қурбонликлар келтириш учун борди. 13 Куйдириладиган қурбонлигини ва дон
назрини адо этди, янги қурбонгоҳ устига шароб назрини қуйди, тинчлик
қурбонлигининг қонини қурбонгоҳга сепди. 14 Эгамизга бағишланган олдинги
бронза қурбонгоҳ янги қурбонгоҳ билан Эгамизнинг уйи орасида эди. Охоз
бронза қурбонгоҳни бир четга — ўзи қурган янги қурбонгоҳнинг шимол
томонига кўчиртириб ташлади. 15 Сўнгра шоҳ Охоз руҳоний Уриёга шундай
фармон берди: “Эрталабки куйдириладиган қурбонлик билан кечқурунги дон
назрини, шоҳнинг куйдириладиган қурбонлигини ва унинг дон назрини, бундан
ташқари, юрт халқининг куйдириладиган қурбонлигини, дон назрини ва шароб
назрини мана шу катта қурбонгоҳ устида адо эт. Куйдириладиган қурбонлик
билан бошқа қурбонликларнинг қонини шу қурбонгоҳга сеп. Келажакда нима
бўлиши менга аён бўлиши учун эса бронза қурбонгоҳни сақла.” 16 Руҳоний Уриё
шоҳ Охознинг ҳамма фармонини бажарди.

17-18 Шоҳ Охоз Оссурия шоҳини мамнун қилиш учун қуйидаги ишларни қилди:
Худонинг уйидаги араваларнинг ён тўсиқларини кўчиртириб ташлади,
буларнинг устидаги тоғораларни ҳам олдирди. Бронзадан ясалган буқаларнинг
устидан ҳовузни* олиб, тошдан қилинган тўшама устига жойлаштирди.
Эгамизнинг уйи ичкарисида қурилган ва Шаббат куни шоҳ фойдаланадиган
жойни, шоҳ ташқаридан кирадиган йўлакни олдириб ташлади.

19 Охознинг бошқа ишлари “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 20 Охоз
оламдан ўтиб, Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн этилди. Ўрнига ўғли

Ҳизқиё шоҳ бўлди.

17–БОБ

Исроилнинг охирги шоҳи Хўшея

1 Яҳудо шоҳи Охоз ҳукмронлик қилаётганига ўн икки йил бўлганда, Хўшея
Самарияда Исроил шоҳи бўлди ва тўққиз йил ҳукмронлик қилди. Хўшея Элохнинг
ўғли эди. 2 У Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилган бўлса ҳам, ўзидан олдин ўтган
Исроил шоҳлари қадар эмасди.
3 Оссурия шоҳи Шалманасар* Хўшеяга қарши уруш очди. Хўшея таслим бўлиб,
Шалманасарга ўлпон тўлай бошлади. 4 Лекин кейинроқ Хўшея Миср фиръавни
Сўвахдан ёрдам сўраб хабарчилар жўнатди ва Оссурия шоҳига ҳар йили тўлаши
керак бўлган ўлпонни тўламай қўйди. Хўшеянинг хоинлик қилганини Оссурия
шоҳи билиб қолди, шунинг учун уни тутиб, зиндонга ташлади.

Самариянинг мағлубияти

5 Шалманасар Исроил ерларига ҳужум қилиб, Самарияни уч йил қамал қилиб
турди. 6 Хўшея ҳукмронлигининг тўққизинчи йилида Оссурия шоҳи* Самарияни
қўлга киритиб*, Исроил халқини Оссурияга кўчирди. Уларни Халах шаҳрига,
Хавор дарёси бўйидаги Гозан ҳудудига ва Мидия шаҳарларига жойлаштирди.
7 Исроил халқи ўзларини Миср фиръавни ҳукмронлигидан халос қилиб,
Мисрдан олиб чиққан Эгаси Худога қарши гуноҳ қилган эдилар. Уларнинг бошига
келган жамики ғам–кулфатларнинг сабаби шу эди. Ўша пайтларда Исроил халқи
бегона худоларга сажда қилишар, 8 Канъон юртидан Эгамиз қувган қавмларнинг
одатларига ва Исроил шоҳлари* ўзларича жорий қилган одатларга биноан
яшардилар. 9 Ўзларининг Эгаси Худога маъқул келмайдиган ишларни
қилардилар. Ҳамма ерда — қишлоқлардан тортиб, мустаҳкам шаҳаргача бўлган
жойларда саждагоҳлар* қурган эдилар. 10 Ҳар бир тепаликнинг устига, ҳар бир
яшил дарахтнинг остига бутсимон тошларни, Ашерага* атаб устунларни ўрнатган
эдилар. 11 Канъон юртидан Эгамиз қувиб юборган халқлар сингари, Исроил халқи
ҳамма саждагоҳларда қурбонликлар қилишарди. Улар қабиҳ ишлари билан
Эгамизни ғазаблантирардилар. 12 Эгамиз: “Бундай ишларни қилманглар”, деб
айтганига* қарамасдан, бутларга хизмат қилаверардилар.
13 Эгамиз Исроил ва Яҳудо халқини ҳамма пайғамбарлар, валийлар орқали
огоҳлантириб, уларга шундай амр берган эди: “Қабиҳ йўлларингиздан
қайтинглар. Менинг амрларимга, фармонларимга итоат этинглар! Мен ҳамма
қонунларимни ота–боболарингизга берганман, пайғамбар бўлган қулларим
орқали сизларга юборганман.”
14 Аммо Исроил халқи қулоқ солмасди. Улар оталари каби ўжарлик
қилавердилар, ўзларининг Эгаси Худога ишонмас эдилар. 15 Эгамизнинг
фармонларидан, огоҳлантиришларидан ва оталари билан қилган аҳдидан юз
ўгириб, бетайин худоларга сажда қилгани учун ўзлари ҳам бетайин бўлиб
қолгандилар. Эгамиз: “Атрофингиздаги халқларга ўхшаб яшманглар”, деб уларга
амр берса ҳам, ўша халқларнинг одатларига кўра, яшайверардилар.
16 Исроил халқи ўзларининг Эгаси Худонинг ҳамма амрларидан юз ўгирганди.
Улар топингани иккита бузоқ тасвирини ва Ашеранинг устунини ясадилар. Барча
самовий жисмларга сажда қилиб, Баалга хизмат этардилар. 17 Ўғилларини,
қизларини қурбонлик қилиб, оловда куйдирардилар*, фол очтириб,
таъбирчиларга эътиқод қилардилар. Эгамиз олдида қабиҳ ишларга муккасидан
кетиб, Эгамизни ғазаблантиравердилар. 18 Эгамиз Исроил халқидан қаттиқ

ғазабланиб, уларни Ўзининг ҳузуридан чиқариб ташлаганди. Яҳудо халқидан ташқари бironта қабила Эгамизнинг ҳузурида қолмаган эди. 19 Ҳатто Яҳудо халқи ҳам ўзларининг Эгаси Худонинг амрларига риоя қилмай қўйганди. Улар Исроил халқининг қабиҳ одатларига тақлид қилдилар. 20 Оқибатда Эгамиз Исроилнинг ҳамма қавмидан юз ўгирди. Уларни талончиларнинг қўлига бериб, жазолади. Охири, ҳаммасини ҳузуридан улоқтириб ташлади.

21 Дарвоқе, Эгамиз Довуд хонадонидан Исроилни тортиб олгандан кейин*, Исроил халқи Набат ўғли Еribомни шоҳ қилган эди. Еribом Исроил халқини Эгамизнинг йўлидан оздириб, оғир гуноҳга ботирди. 22 Исроил халқи Еribом қилган ҳамма гуноҳларга эргашди, бу гуноҳлардан қайтмади. 23 Натижада Эгамиз пайғамбар қуллари орқали айтганидай, Исроил халқини Ўз ҳузуридан қувган ва Исроил халқи ўз юртларидан Оссурияга сургун қилинган эдилар. Улар бугунгача* ўша ерда яшайдилар.

Самарияга ўрнашган халқларнинг бутпарастлиги

24 Оссурия шоҳи Бобилдан, Гўсах, Иввах, Хомат ва Сефарвайим шаҳарларидан одамларни олиб келиб, Самария* шаҳарларида Исроил халқи ўрнига жойлаштирди. Улар Самарияни эгаллаб, Самария шаҳарларида истиқомат қила бошладилар.

25 Улар бу жойларга дастлаб ўрнашганларида, Эгамизга сажда қилмадилар. Шунинг учун Эгамиз Самария шаҳарларига арслонлар юборди. Арслонлар ўша халқлардан баъзи одамларни ўлдирди. 26 Сўнгра Самариядан Оссурия шоҳига қуйидагича хабар жўнатилди: “Сиз Самария шаҳарларига кўчириб келиб ўрнаштирган халқлар бу юрт худосининг қонун–қоидаларини билмаяптилар. Шунинг учун ўша худо бу ерга арслонлар юборяпти, одамлар эса арслонларга ем бўляпти.”

27 Шундан кейин Оссурия шоҳи қуйидагича фармон берди: “Самариядан асир қилиб олиб кетилган руҳонийлардан бирортасини ўша ерга қайтариб юборинглар. Руҳоний ўша юртга бориб яшасин ва Самариянинг худоси қонун–қоидаларини ўша ердаги халқларга ўргатсин.” 28 Самариядан кўчириб юборилган руҳонийлардан бири қайтиб келиб, Байтилда истиқомат қила бошлади. У ўша ерда ўрнашган халқларга Эгамизга қандай сажда қилишни ўргатишга киришди.

29 Лекин Самария шаҳарларига жойлашган ҳар бир халқ ўз худоларининг тасвирини ясайверди. Исроил халқи Самарияда яшаганда барпо қилган саждагоҳларга ўша худоларнинг тасвирини қўйдилар. 30 Бобилликлар худо Сухотванотнинг, Хутликлар худо Наргалнинг, Хоматликлар худо Ошиманинг, 31 Иввахликлар эса худолар Нивхаз ва Тартоқнинг тасвирларини ясаб, ўша худоларга сажда қилдилар. Сефарвайимликлар ўзларининг худолари Одраммалек ва Анаммалекка болаларини куйдириб қурбонлик қилдилар. 32 Улар ҳам Эгамизга сажда қилдилар, айни пайтда ўз худоларининг саждагоҳларида хизмат қилиш учун ораларидан руҳонийлар ҳам сайлаб олдилар. 33 Улар Эгамизга сажда қилиш билан бирга, ўзлари олдин яшаган она юртининг одатларига мувофиқ ўз худоларига ҳам хизмат қилавердилар. 34 Ўша халқлар бугунгача эски одатлари бўйича яшаб келадилар: на Эгамиздан қўрқадилар, на Эгамиз Ёқубга, яъни Исроил наслига берган фармонларни, қоидаларни, қонун ва амрларни бажарадилар.

35 Илгарилари Эгамиз Исроил халқи билан аҳд тузиб, шундай амр этган эди: “Бегона худоларга сажда қилманглар, таъзим қилманглар, у худоларга хизмат қилманглар, қурбонлик келтирманглар. 36 Фақат Менга сажда қилинглар! Мен,

Эгангиз, буюк қудратим ва ажойиботларим билан сизларни Мисрдан олиб чиққанман. Менга таъзим қилиб, қурбонлик келтиринглар. 37 Сизлар учун ёзган фармонларимни, қоидаларимни, қонунларимни ва амрларимни то абад ижро этинглар, бегона худоларга сажда қилманглар. 38 Сизлар билан тузган аҳдимни унутманглар, бегона худоларга сажда қилманглар. 39 Фақат Мен, Эгангиз Худогагина сажда қилинглар. Ҳамма ғанимларингиз қўлидан сизларни халос қиладиган Менман.”

40 Шунга қарамай, Самарияга ўрнашган халқлар Эгамизнинг амрларига қулоқ солмасдан эски одатларига кўра, яшайвердилар. 41 Бу халқлар бир пайтнинг ўзида ҳам Эгамизга сажда қилар, ҳам ўйиб ишланган тасвирларга хизмат қилардилар. Уларнинг болалари ва набиралари ҳам бугунгача оталари каби яшайдилар.

18–БОБ

Яҳудо шоҳи Ҳизқиё

1 Исроил шоҳи Хўшея ҳукмронлик қилаётганига уч йил бўлганда, Ҳизқиё Яҳудо ҳукмдори бўлди. Ҳизқиё Охознинг ўғли эди. 2 Ҳизқиё йигирма беш ёшида шоҳ бўлди. У Қуддусда йигирма тўққиз йил шоҳлик қилди. Онасининг исми Абиё* бўлиб, Закариёнинг қизи эди.

3 Ҳизқиё, бобоси Довуд каби, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. 4 У саждагоҳларни* йўқотди, бутсимон тошларни парчалаб ташлади, Ашеранинг* устунларини кесди. Мусо бронзадан ясаган Нахуштон номли илон тасвирини* ҳам синдирди. Чунки Исроил халқи ўша кунгача бронза илон тасвирига қурбонлик келтирарди.

5 Ҳизқиё Исроил халқининг Худосига — Эгамизга ишонарди. Ҳизқиёгача ҳам, ундан кейин ҳам Яҳудо шоҳлари орасида унга ўхшагани бўлмади. 6 Ҳизқиё Эгамизга ниҳоятда содиқ бўлиб, Унинг йўлларидан озмади. Эгамиз Мусога берган амрларни бажарди. 7 Эгамиз Ҳизқиё билан эди. Ҳизқиё нима иш қилмасин, Эгамиз унга барака берди. У Оссурия шоҳига итоат қилмай, унга қарши бош кўтарди. 8 Ҳамма жойда — Ғазо ва унинг атрофларигача, қишлоқлардан тортиб, мустаҳкам шаҳаргача бўлган жойларда Филистларни мағлуб қилди.

9 Ҳизқиё ҳукмронлигининг тўртинчи йилида Оссурия шоҳи Шалманасар Самарияга ҳужум қилиб, қамал қилди. Бу пайтда Исроил шоҳи Хўшея еттинчи йил шоҳлик қилаётган эди. 10 Қамалнинг учинчи йилида* Самария қулади. Ҳизқиё ҳукмронлигининг олтинчи йилида ва Исроил шоҳи Хўшея ҳукмронлигининг тўққизинчи йилида Шалманасар Самарияни олди. 11 Оссурия шоҳи* Исроил халқини Оссурияга кўчириб, уларни Халах шаҳрига, Хавор дарёси бўйидаги Гозан ҳудудига ва Мидия шаҳарларига жойлаштирди. 12 Улар ўзларининг Эгаси Худога итоат этмай, Унинг аҳдини бузганлари учун шу ҳодисалар юз берганди. Худонинг Ўз қули Мусо орқали берган бирорта амрига улар қулоқ солмадилар, ҳеч бирини бажармадилар.

Оссурия қўшини Қуддусни ўраб олади

13 Ҳизқиё ҳукмронлигининг ўн тўртинчи йилида* Оссурия шоҳи Санхарив* Яҳудо юртига ҳужум қилди. Унинг ҳамма мустаҳкам шаҳарларини босиб олди. 14 Яҳудо шоҳи Ҳизқиё Лахиш шаҳрида* турган Оссурия шоҳига шундай хабар юборди: “Мен айбдорман, менинг юртимдан кетинг, нимани талаб қилсангиз, рози бўламан.” Оссурия шоҳи Яҳудо шоҳи Ҳизқиёни 640 пуд* кумуш ва 64 пуд* олтинни ўлпон қилиб тўлашга мажбур қилди. 15 Ҳизқиё ҳамма кумушни Эгамизнинг уйидан ва шоҳ саройининг хазиналаридан топиб, унга берди.

16 Ҳизқиё яна Эгамизнинг уйи эшиклари билан эшик кесакилари* устига илгари
ўзи қоплатган олтин қопламаларни ҳам чиқариб олиб, Оссурия шоҳига берди.
17 Кейин Оссурия шоҳи ўзининг бош қўмондони, бош вазири ва мулозими
бошчилигида катта лашкарни Лахишдан Қуддусга, шоҳ Ҳизқиёнинг устига
сафарбар қилди. Лашкар Қуддусга бораётиб, Юқори ҳовуз ариғи ёнида тўхтади.
Бу ариқ кир ювувчининг даласига борадиган йўл ёнида эди. 18 Улар шоҳ Ҳизқиёга
хабарчи юборган эдилар, Хилқиё ўғли Элияқим, Шавна ва Осиф ўғли Йўх
Қуддусдан чиқиб, Оссурияликларнинг ёнига бордилар. Шоҳ Ҳизқиёнинг саройида
Элияқим бош вазир бўлиб, Шавна котиб, Йўх эса мушовир* бўлиб хизмат қилар
эдилар.
19 Мулозим уларга шундай деди:

"Улуғ Оссурия шоҳининг шу гапларини Ҳизқиёга етказинг: «Нимангга
ишоняпсан ўзи? 20 Ҳарбий маҳоратингдан ва куч–қудратингдан
гапиряпсан, лекин булар қуруқ гаплар–ку. Кимингга ишониб менга итоат
этмаяпсан? 21 Ҳа, сен Мисрга ишоняпсан. Лекин Миср ёриқ қамишдан
қилинган ҳассага ўхшайди–ку. Унга суянсанг, қўлингга санчилади. Миср
фиръавнига ишонганларнинг ҳаммаси шу аҳволга тушади. 22 Балки сизлар:
'Биз Эгамиз Худога ишонамиз', деб айтарсизлар менга. Ахир, Ҳизқиё ўша
Эгангизнинг саждагоҳу* қурбонгоҳларини бузиб ташлаб, Яҳудо халқига ва
Қуддусликларга: 'Фақатгина Қуддусдаги қурбонгоҳнинг олдида сажда
қилинглар', деб айтган экан–ку!*»
23 Келинглар, энди жаноби олийлари Оссурия шоҳи номидан сизлар
билан бир гаров ўйнайлик. Биз сизларга икки мингта от берамиз, қани,
уларни минишга одам топинглар–чи! 24 Қани, кўрайлик–чи, шоҳимнинг
қуллари орасидаги энг кичик бир лашкарбошисини мағлуб қила
оласизми?! Ахир, ўзингиз Мисрнинг жанг араваларию отлиқларига умид
боғлаб ўтирибсиз. 25 Қолаверса, бизни Эгангизнинг хоҳишисиз бу юртни
вайрон қилишга келган, деб ўйлайсизларми? Эгангизнинг Ўзи бизга: «Ўша
жойга бориб, у ерни вайрон қилинглар», деб амр берган–ку!"

26 Хилқиё ўғли Элияқим, Шавна ва Йўх Оссуриялик мулозимга:
— Бу қулларингга орамийча* гапиравер, орамийчани тушунамиз. Ибронийча
гапирма. Тағин девор устидагилар бизнинг гапимизни эшитиб қолмасин, —
дедилар. 27 Мулозим эса шундай жавоб берди:
— Шоҳим бу сўзларни фақат ҳукмдорингизга ва сизларга гапирсин деб, мени
юборибдими?! Девор устида тўпланган одамларга ҳам гапиряпман–да. Улар ҳам,
сизлар каби, тезакларини еб, сийдикларини ичишга гирифтор қилинган.
28 Сўнгра у тик туриб, баланд овоз билан ибронийча гапирди: "Улуғ Оссурия
шоҳининг гапларини эшитинг! 29 Шоҳ ҳазратлари шундай айтмоқда: Ҳизқиё
сизларни йўлдан урмасин. У барибир сизларни менинг қўлимдан қутқара
олмайди. 30 «Эгамиз бизни албатта қутқаради, бу шаҳар Оссурия шоҳи қўлига
таслим бўлмайди», деб Ҳизқиё сизларни Эгангиздан умидвор қилмасин.
31 Шоҳингиз Ҳизқиёга қулоқ солманглар. Мана, Оссурия шоҳи айтмоқда: мен
билан сулҳ тузиб, менинг олдимга чиқинглар. Шунда ҳар кимга ўз узумзорию
анжир дарахти ҳосилидан ейишга, ўз сардобасидан сув ичишга ижозат берилади.
32 Сўнгра мен сизларни ўз ўлкангизга ўхшаган бир юртга олиб бораман. У жой
буғдой, шароб, нон, узумзорларга, зайтун мойи ва асалга бой юртдир. Ўлимни
эмас, ҳаётни танланглар. «Эгамиз бизни қутқаради», деб сизларни алдамоқчи
бўлган Ҳизқиёга қулоқ солманглар. 33 Қайси халқнинг худоси ўз юртини мен,

Оссурия шоҳининг қўлидан қутқарибди?! 34 Хомат билан Арпад шаҳарларининг*
худолари қани?! Сефарвайимнинг, Хана ва Иввахнинг* худолари–чи?! Бирорта
худо Самарияни* менинг қўлимдан қутқара олмади–ку! 35 Жамики халқларнинг
худоларидан қайси бири ўз юртини менинг қўлимдан қутқарибдики, Эгангиз
Қуддусни қутқара олса?!”
36 Аммо халқ жим тураверди. Биронтаси ҳам жавоб бермади. Чунки шоҳ
Ҳизқиё: “Унинг гапига жавоб қайтарманглар”, деб фармон берган эди. 37 Шундан
кейин бош вазир Элияқим, котиб Шавна ва мушовир Йўх қайғудан либосларини
йиртиб, Ҳизқиёнинг олдига келдилар–да, Оссуриялик мулозимнинг гапларини
Ҳизқиёга айтиб бердилар.

19–БОБ

Шоҳ Ҳизқиё Ишаёдан маслаҳат сўрайди

1 Шоҳ Ҳизқиё буларни эшитгач, қайғудан либосларини йиртди. Қанорга
ўраниб*, Эгамизнинг уйига борди. 2 У бош вазир Элияқимни, котиб Шавнани ва
оқсоқол руҳонийларни Омиз ўғли Ишаё пайғамбарнинг ҳузурига юборди.
Ҳаммалари қанорга ўраниб олган эдилар.
3 Улар Ишаёнинг ҳузурига бориб, шундай дедилар:
— Ҳизқиё айтяптики: “Бугун жафо чекяпмиз, жазо оляпмиз, шарманда
бўляпмиз. Биз туғаётган, лекин туғиш учун мадори қолмаган аёлга ўхшаймиз.
4 Барҳаёт Худони таҳқирлаш учун Оссурия шоҳи ўзининг мулозимини юборибди.
Мулозимнинг сўзларини кошкийди Эгангиз Худо эшитса–ю, ўша сўзлари учун
уларни жазоласа. Энди шаҳардаги тирик қолганлар учун илтижо қилинг.”
5 Шоҳнинг айтиб юборган бу хабарини Ишаё эшитгач, 6 Ҳизқиёнинг
аъёнларига шундай деди:
— Шоҳингизга шу гапларни етказинглар: “Эгамиз шундай айтмоқда: Оссурия
шоҳининг қуллари Мени ҳақоратлаб айтган сўзларидан қўрқма. 7 Мен Оссурия
шоҳининг юрагига ғулғула соламан, у бир миш–мишни эшитиб, ўз юртига қайтиб
кетади. Унга ўз юртида ажал келтираман.”

Оссурия шоҳининг Ҳизқиёга мактуби

8 Оссурия шоҳи Санхаривнинг Лахиш шаҳридан* қайтиб кетганини эшитиб,
шоҳнинг мулозими ҳам орқасига қайтди. Шоҳни Либна шаҳрига қарши
уришаётган ерида топди.
9-10 Санхарив: “Ҳабашистон* шоҳи Тирҳоқо сен билан уруш қилгани отланди”
деган хабарни эшитди. У Ҳабашистонга қарши жанг бошлашдан олдин Яҳудо
шоҳи Ҳизқиёга яна одамлари орқали шу гапни етказди:

> “Умид қилган худойинг сени алдамасин: «Қуддус Оссурия шоҳига
> таслим бўлмайди», деб сени лақиллатмасин. 11 Ахир, ўзинг эшитгансан–ку!
> Оссурия шоҳлари ҳамма юртларни ер билан яксон қилган. Энди сен
> қутуламан, деб ўйлаяпсанми?! 12 Оталарим қанча халқларни хонавайрон
> қилди. Уларни худолари қутқармади–ку! Гозан, Хорон, Разаф аҳолиси,
> Талассарда яшаган Эден халқлари қутула олдими?! 13 Қани, айт–чи, Хомат
> шаҳрининг шоҳи қани энди?! Арпад, Сефарвайим, Хана, Иввах
> шаҳарларининг шоҳлари қаерда?!”

Ҳизқиёнинг ибодати

14 Ҳизқиё хабарчиларнинг қўлидан мактубни олиб ўқигач, Эгамизнинг уйига
кирди. Мактубни Эгамизнинг олдида очиб, ерга ёйди ва 15 ёлвориб ибодат қилди:

“Эй икки каруб* орасида тахт қурган Исроил халқининг Худоси — Эгамиз! Бутун ер юзидаги шоҳликларнинг танҳо Худоси Сенсан. Осмонни ва ерни Сен яратгансан. 16 Эй Эгамиз! Қулоқ солиб, эшит. Эй Эгамиз, кўзларингни очиб, қара. Санхарив нималар айтганини, у барҳаёт Худони қандай ҳақоратлаганини билиб қўй. 17 Эй Эгамиз! Биз биламизки, Оссурия шоҳлари бир қанча халқларни ва уларнинг юртларини вайрон қилганлар. 18 Ўша халқларнинг худоларини оловда ёқиб, йўқ қилганлар. Чунки ўша нарсалар худолар эмас, балки инсон қўли билан ёғочдан, тошдан ясалган нарсалар эди. 19 Эй Эгамиз Худо! Энди Сен бизни Санхаривнинг қўлидан қутқаргин, токи бутун ер юзидаги шоҳликлар Сенинг танҳо Худо эканингни билишсин, эй Эгамиз!”

Ишаё башорат қилади

20 Омиз ўғли Ишаё Ҳизқиёга шундай хабар юборди:

“Исроил халқининг Худоси — Эгамиз айтмоқда: «Оссурия шоҳи Санхарив ҳақида қилган илтижоларингни эшитдим.» 21 Эгамиз унга қарши шу сўзларни менга аён қилди:

«Бокира қиз* Қуддус сендан нафратланади,
Устингдан кулади.
Гўзал Сион* орқангдан масхара қилади,
Бошини чайқайди.

22 Кимни ҳақорат қилдинг ўзи?
Кимни таҳқирладинг?
Кимга қўрс гапирдинг?
Киборларча боқдинг, ҳей?
Исроил халқининг Муқаддас Худосига!
23 Хабарчиларинг орқали Мен, Раббийни ҳақорат қилдинг.
Ўзинг ҳақингда айтдингки:
‘Кўплаб жанг араваларим билан
Тоғ чўққиларини забт этдим.
Лубнондаги инсон қадами етмаган жойларга етиб бордим.
Энг баланд садр дарахтларини,
Энг аъло сарв дарахтларини қўпордим.
Лубноннинг энг кимсасиз масканларига,
Ҳатто энг қалин ўрмонларига етиб бордим.
24 Бегона юртларда мен қудуқлар қазиб,
Сувларидан ичдим.
Мисрнинг ҳамма дарёларини
Оёғим кафти билан қуритдим.’

25 Эшитмаганмисан, эй Санхарив,
Анча олдин мўлжаллаб қўйган эдим,
Буни азалдан режа қилган эдим.
Энди амалга оширдим.
Қалъаларни вайронага айлантирсин деб,
Мен сенга куч бердим.
26 Қўлу қаноти қирқилди шаҳар аҳлининг,
Ваҳимага тушиб, уятга қолдилар.
Улар далада ўсган ўт, янги майсалар кабидир.

Томларда ўсган майсаларга* ўхшаб,
Етилмасдан олдин қуриб қолдилар.

27 Сени ҳар томондан биламан, эй Санхарив!
Қачон урушга чиқиб,
Уйингга қачон қайтишингни ҳам биламан.
Биламан: Мендан ғазабдасан.
28 Мендан қаттиқ ғазабдасан.
Манманлигинг қулоғимга етиб келди.
Энди мен бурнингдан ҳалқамни,
Оғзингдан сувлиғимни ўтказаман*.
Келган йўлингдан сени қайтариб олиб кетаман.»

29 Эй Ҳизқиё, мана булар сен учун нишона бўлади: бу йил ўз–ўзидан ердан ўсиб чиққанларини тановул қиласиз. Иккинчи йили ҳам ўрнидан ўсиб чиққанини ейсиз. Учинчи йил эса уруғ экиб, ҳосил ўрасиз. Узумзорлар барпо қилиб, мевасин тановул қиласиз. 30 Яҳудо халқининг қутулиб қолганлари яна илдиз отиб, мева беради. 31 Халқнинг қолгани Қуддусдан, қутулганлари Сион тоғидан келади. Сарвари Олам Ўз ғайрати билан буни амалга оширади.

32 Оссурия шоҳи тўғрисида Эгамиз шундай айтмоқда: Санхарив бу шаҳарга киролмайди, ўқлар отолмайди. Қалқони билан шаҳарга яқинлашмайди, шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдирмайди*. 33 Келган йўлидан қайтиб кетади, шаҳарга кирмайди, — деб айтмоқда Эгамиз. 34 — Ўзимнинг ҳақи–ҳурматим, қулим Довуднинг ҳақи–ҳурмати бу шаҳарни ҳимоя қилиб, сақлайман.”

35 Ўша кечаси Эгамизнинг фариштаси Оссурияликларнинг қароргоҳига бориб, 185.000 кишини ўлдирди. Эртасига уйғониб қарасалар, қароргоҳ жасадга тўлиб кетибди. 36 Оссурия шоҳи Санхарив қароргоҳни ташлаб, орқага қайтди. У Найнавога* қайтиб, ўша ерда қолди. 37 Бир куни Санхарив ўз худоси Нисрохнинг уйида сажда қилаётган эди, ўғиллари Одраммалек билан Саризар унга қилич уриб ўлдирди. Иккови ҳам Арарат юртига* қочиб кетди. Санхаривнинг ўрнига ўғли Исархаддўн шоҳ бўлди*.

20–БОБ

Ҳизқиё касал бўлади

1 Ўша кунлари Ҳизқиё тузалмас хасталикка йўлиқиб, ўлим тўшагига ётиб қолди. Омиз ўғли Ишаё пайғамбар унинг ҳузурига келиб, шундай деди: “Эгамиз шундай айтмоқда: тайёргарлигингни кўриб қўявер, энди тузалмайсан, ўласан.”

2 Ҳизқиё юзини деворга буриб, Эгамизга ёлворди: 3 “Эй Эгам! Чин қалбимдан Сенга содиқ бўлиб, йўлларингдан юрганимни ва олдингда тўғри ишлар қилганимни эсла.” Шундай деб аччиқ–аччиқ йиғлади.

4 Ишаё саройнинг ичкари ҳовлисидан чиқиб улгурмаган ҳам эдики, Эгамиз унга қуйидаги сўзларини аён қилди: 5 “Орқангга қайтиб бориб, халқимнинг ҳукмдори Ҳизқиёга шу хабарни етказ: «Бобонг Довуднинг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: илтижоларингни эшитдим, кўз ёшларингни кўрдим. Сенга соғлигингни қайтараман. Учинчи куни Менинг уйимга чиқасан. 6 Умрингни яна ўн беш йилга узайтираман. Сени ва бу шаҳарни Оссурия шоҳининг қўлидан халос

қиламан. Ўзим учун ва қулим Довуднинг ҳақи–ҳурмати учун бу шаҳарни муҳофаза қиламан.»”

7 Шундан кейин Ишаё:

— Анжир ширасини келтиринглар, ширани олиб, яранинг устига қўйинглар, шунда Ҳизқиё соғаяди, — деди.

8 Ҳизқиё Ишаёдан:

— Эгамиз мени соғайтиришини ва учинчи куни Эгамизнинг уйига боришимни қандай биламан? Буни нима исботлайди? — деб сўради.

9 Ишаё шундай жавоб берди:

— Эгамиз берган ваъдасини бажаришини исботлаб, сенга аломат кўрсатади. Соя Охознинг зинапоясидан* ўн қадам олдинга кетсинми ёки ўн қадам орқага сурилсинми?

10 — Соя зинапоядан ўн қадам илгари кетмоғи одатдаги ҳолдир, шунинг учун ўн қадам орқага сурилсин, — деди Ҳизқиё.

11 Ишаё пайғамбар Эгамизга илтижо қилган эди, Эгамиз сояни Охознинг зинапоясидан ўн қадам орқага сурди.

Бобилдан келган элчилар

12 Ўша пайтларда Бобил шоҳи Баладон ўғли Мардухбаладон* шоҳ Ҳизқиёга мактублару ҳадялар жўнатди. У Ҳизқиёнинг хасталанганини эшитганди. 13 Ҳизқиё элчиларни кўриб хурсанд бўлди. Хазинасидаги бор нарса — омборлардаги ҳамма қимматбаҳо ашёларини, олтинни, кумушни, хушбўй ҳидли зираворларни ва мойларни, қурол–яроғ омборини уларга кўрсатди. Ҳизқиёнинг саройидаю ўз шоҳлигида уларга кўрсатмаган ҳеч нарсаси қолмади.

14 Ишаё пайғамбар шоҳ Ҳизқиёнинг ҳузурига келиб:

— Бу одамлар қаердан келибдилар? Сенга нима дедилар? — деб сўради.

— Узоқ бир юртдан, Бобилдан келибдилар, — деб жавоб берди Ҳизқиё.

15 Улар саройингда нималарни кўрдилар? — деб сўради Ишаё.

— Саройимдаги ҳамма нарсани кўрдилар, — дея жавоб берди Ҳизқиё. — Хазиналаримда мен уларга кўрсатмаган ҳеч нарса қолмади.

16 Шунда Ишаё айтди:

— Энди Эгамизнинг сўзига қулоқ сол. 17 Эгамиз айтмоқдаки: “Бир кун келиб, саройингдаги ҳамма нарса, ота–боболарингнинг бугунгача тўплаб қолдирганлари Бобилга ташиб кетилади. Ҳеч нарса қолмайди. 18 Сенинг пушти камарингдан бино бўлган ўғилларингдан баъзилари ҳам олиб кетилади, улар Бобил шоҳининг саройида бичилган қуллар бўлиб хизмат қилади.”

19 Ҳизқиё Ишаёга:

— Эгамиз сен орқали айтган сўзлар хосиятлидир, — деди–да, ичида: “Нима бўлгандаям, умрим охиригача тинч, хотиржам яшар эканман–ку”, деб ўйлади.

Ҳизқиё ҳукмронлигининг охири

20 Ҳизқиёнинг бошқа ишлари, қаҳрамонликлари, ҳовуз ва қувур* қазиб, қандай қилиб шаҳарга сув келтиргани тўғрисида “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 21 Ҳизқиё оламдан ўтгач, ўрнига ўғли Манаше шоҳ бўлди.

21–БОБ

Яҳудо шоҳи Манаше

1 Манаше ўн икки ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда эллик беш йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Хафзибо эди. 2 У Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди.

Эгамиз Ўз халқи Исроилнинг олдидан қувиб юборган халқларнинг жирканч одатларига эргашди. 3 Отаси Ҳизқиё йўқ қилган саждагоҳларни* қайтадан барпо этди. У Исроил шоҳи Ахаб каби Баалга атаб қурбонгоҳлар қурди, Ашеранинг* устунини ўрнатди. Барча самовий жисмларга сажда этиб хизмат қилди.

4 Манаше Эгамизнинг улуғланиши керак бўлган уйида бегона худоларга атаб қурбонгоҳлар қурди. 5 Эгамиз уйининг иккала ҳовлисида ҳам жамики самовий жисмларга сажда қилиш учун қурбонгоҳлар барпо қилдирди. 6 Ўғлини қурбонлик қилиб, оловда куйдирди*, фоллар очтирди, таъбирчиларга эътиқод қилди, арвоҳ чақирувчиларга маслаҳат солди. Эгамиз олдида кўп қабиҳ ишлар қилиб, Уни ғазаблантирди. 7 Манаше Ашерага атаб ўйиб ишланган устунни Эгамизнинг уйига қўйди. Эгамиз бу уй тўғрисида Довуд билан унинг ўғли Сулаймонга шундай деган эди*: “Мен бу уйни ва Қуддусни Исроил қавмлари яшайдиган масканлар орасидан танлаб олганман. Мен то абад ўша ерда улуғланаман. 8 Улар амрларимни битта қолдирмай бажарсалар, қулим Мусо амр этган ҳамма қонунларга риоя қилсалар, Исроил халқининг ота–боболарига Мен берган ердан ҳайдалишларига йўл қўймайман.”

9 Аммо халқ қулоқ солмади. Манаше халқни шу қадар йўлдан оздирдики, Канъон юртидан Эгамиз йўқотиб юборган халқлардан ҳам кўра, кўпроқ қабиҳ ишлар қилдилар.

10 Эгамиз Ўз қуллари — пайғамбарлар орқали шундай деди:

11 — Яҳудо шоҳи Манаше жирканч ишлар қилгани, ўзидан олдинги Амор халқларидан* ҳам баттар қабиҳликлар қилгани, бутлар ясаб, Яҳудо халқини гуноҳга ботиргани учун 12 Мен, Исроил халқининг Худоси — Эгангиз, айтмоқдаман: “Қуддуснинг ва Яҳудо халқининг бошига шундай фалокат келтираманки, бу фалокатни эшитганларнинг бошидан ҳуши учади. 13 Самарияга қарши ишлатган ўлчов ипини ва Ахабнинг хонадонига қарши ишлатган шоқулни* Қуддусга қарши ишлатаман. Қуддусни бу қабиҳ халқдан тозалаб ташлайман, уни тоза косадай тўнтариб қўяман. 14 Ўз халқимнинг омон қолганларидан юз ўгираман ва ғанимларининг қўлига таслим эттираман. Ғанимлар Қуддус аҳолисини талон–тарож қилади, ўлжа қилиб олиб кетади. 15 Чунки улар олдимда қабиҳ ишлар қилдилар. Ота–боболари Мисрдан чиққан кундан бугунгача бу халқ Мени ғазаблантириб келади.”

16 Манаше шунчалик кўп айбсиз қон тўкдики, Қуддусни бу бошидан нариги бошигача қонга ботирди. Қон тўкишдан ташқари, Яҳудо халқини гуноҳга ботирди, улар Эгамиз олдида қабиҳликлар қилдилар.

17 Манашенинг бошқа ишлари, бутун фаолияти, қилган гуноҳлари ҳақида “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 18 Манаше оламдан ўтди ва саройидаги Уззо деган боққа дафн этилди. Ўрнига ўғли Омон шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Омон

19 Омон шоҳ бўлганда йигирма икки ёшда эди. У Қуддусда икки йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Машулламот бўлиб, Ётбахлик Хорузнинг қизи эди. 20 Омон ҳам, отаси Манаше каби, Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди. 21 Худди отаси юрган йўллардан юриб, ўша бутларга хизмат этиб, сажда қилди. 22 Ота–боболарининг Худоси — Эгамиздан юз ўгириб, Унинг йўлидан юрмади.

23 Шоҳ Омоннинг аъёнлари фитна уюштириб уни ўз саройида ўлдирдилар. 24 Яҳудо халқи ўз шоҳи Омонга фитна уюштирганларнинг ҳаммасини ўлдириб, ўрнига ўғли Йўшиёни шоҳ қилиб кўтарди. 25 Омоннинг бошқа ишлари “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 26 Омон Уззо боғида, ота–боболари хилхонасига дафн этилди. Унинг ўрнига ўғли Йўшиё шоҳ бўлди.

22–БОБ

Яҳудо шоҳи Йўшиё

1 Йўшиё саккиз ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўттиз бир йил ҳукмронлик қилди.
Онасининг исми Ёдидо бўлиб, Бозхатлик Одаёнинг қизи эди. 2 Йўшиё Эгамиз
олдида тўғри ишлар қилди. Ўнгга ҳам, чапга ҳам оғмасдан, бобоси Довуднинг
йўлидан юрди.

Қонун китоби

3 Йўшиёнинг Шофон деган котиби бор эди. Шофон Машуллом деган одамнинг
набираси, Озалиё деганнинг ўғли эди. Йўшиё ўз ҳукмронлигининг ўн саккизинчи
йилида Шофонни Эгамизнинг уйига юбораётиб, унга шу гапларни айтди: 4 “Олий
руҳоний Хилқиёнинг ҳузурига бор. Дарвозабонлар халқдан тўплаб, Эгамизнинг
уйига келтирган кумушларни у ҳисоблаб чиқсин. 5-6 Сўнгра кумушларни
Эгамизнинг уйида меҳнат қилаётган ишбошиларга берсин. Ишбошилар эса
кумушларни олиб, Эгамизнинг уйидаги бузилган жойларни таъмирлаётган
усталарга — дурадгорларга, бинокорларга ва тош терувчиларга берсинлар.
Уйнинг тузатилиши учун лозим бўлган ёғочни, йўнилган тошни ҳам ўша кумушга
сотиб олишсин. 7 Уларга берилган кумушнинг ҳисоби сўралмасин, чунки улар
ҳалол ишлашяпти.”

8 Олий руҳоний Хилқиё котиб Шофонга: “Эгамизнинг уйидан Таврот китобини
топиб олдим”, деб китобни Шофонга берди. Шофон китобни ўқиди. 9 Кейин
шоҳнинг ҳузурига бориб: “Хизматкорларингиз Эгамизнинг уйидаги бор кумушни
ўша ердаги ишбошиларга бердилар”, деб ҳисобот берди. 10 Кейин у шоҳга:
“Руҳоний Хилқиё менга китоб берди”, деди–да, овоз чиқариб шоҳга китобни ўқиб
берди.

11 Шоҳ Тавротда ёзилган сўзларни эшитгач, қайғудан либосларини йиртиб
ташлади. 12 Кейин руҳоний Хилқиёга, Шофон ўғли Охихамга, Михиё ўғли Ахборга,
котиб Шофонга ва ўзининг мулозими Осоёҳга шундай фармон берди:
13 “Боринглар, топилган бу китобдаги сўзларга мувофиқ, мен тўғримда ҳам, бутун
Яҳудо халқи тўғрисида ҳам Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билинглар.
Оталаримиз бу китобдаги сўзларга қулоқ солмаганлари, ҳаммамиз учун ёзилган
бу сўзларга риоя қилмаганлари учун, Эгамизнинг даҳшатли ғазаби бизга қарши
ғоятда аланга олган.”

14 Руҳоний Хилқиё, Охихам, Ахбор, Шофон ва Осоёҳ Хулда исмли пайғамбар аёл
ҳузурига бориб, унга маслаҳат солдилар. Хулда пайғамбар Эгамизнинг уйидаги
муқаддас либослар посбони Шаллумнинг хотини эди. Шаллум Тихвонинг ўғли,
Хархаснинг набираси эди. Хулда Қуддуснинг Янги даҳасида яшарди. 15 Хулда
уларга шундай деди:

> “Исроил халқининг Худоси — Эгамиз айтмоқда: сизларни Менинг
> ҳузуримга юборган одамга шу гапларимни айтинглар: 16 «Яҳудо шоҳи
> ўқиган китобда ёзилгандай, бу юртга ҳам, бу юртда яшаётган халққа ҳам
> фалокат келтираман. 17 Улар Мендан юз ўгирганлари учун, бошқа
> худоларга қурбонликлар келтириб, ўз қўллари билан ясаган бутлари
> туфайли* қаҳримни келтирганлари учун, бу юртга қарши ғазабим
> алангаланади ва асло босилмайди.»
>
> 18 Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билиш учун сизларни юборган Яҳудо
> шоҳига шу хабарни беринглар: Исроил халқининг Худоси — Эгамиз сен
> эшитган сўзларинг тўғрисида шуни айтмоқда: 19 бу юрт вайрон бўлиб, бу

юртда яшаганлар лаънати бўлсин деган сўзларимни эшитганингдан кейин,
юрагинг юмшади, Менга бўйин эгдинг. Сен Менга бўйин эгганинг учун,
қайғудан либосларингни йиртиб, ҳузуримда йиғлаганинг учун Мен
илтижоларингни эшитдим. 20 Шунга кўра, сен ота–боболаринг ёнига
хотиржам кетасан, ўз қабрингга дафн этиласан. Бу юртга Мен
келтирадиган жамики фалокатларни сен кўрмайсан.”

Хилқиё ва унинг ҳамроҳлари бу хабарни шоҳга етказдилар.

23–БОБ

Йўшиё бутпарастликни йўқ қилади

1 Шоҳ Йўшиё хабар бериб, Яҳудо ва Қуддуснинг ҳамма оқсоқолларини ҳузурига
тўплади. 2 Жамики Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолиси, руҳонийлар, пайғамбарлар,
зодагонлару авом халқ шоҳ бошчилигида Эгамизнинг уйига борди. Шоҳ
Эгамизнинг уйидан топилган Таврот китобини* бошидан охиригача уларнинг
олдида ўқиди.
3 Шоҳ Эгамизнинг уйи эшиги олдидаги устун ёнида туриб: “Эгамиз кўрсатган
йўлдан юраман, амрларига итоат этаман, шартларига, фармонларига бутун
қалбим билан, жону дилим билан қулоқ соламан, бу китобда ёзилган аҳд
сўзларини адо этаман”, деб Эгамиз билан қайта аҳд қилди.
Бутун халқ бу аҳдга қўшилди.
4 Шоҳ Йўшиё: “Баалга, Ашерага* ва барча самовий жисмларга атаб қилинган
нарсалар Эгамизнинг уйидан олиб чиқиб ташлансин”, деб олий руҳоний
Хилқиёга, ундан кейинги руҳонийларга, Эгамизнинг уйи дарвозабонларига
фармон берди. Ўша буюмларни Қуддус ташқарисидаги Қидрон сойлигига*
чиқариб ёқтирди, кулини Байтилга олиб келтирди.
5 Яҳудо шоҳлари юртнинг барча шаҳарларидаги ва Қуддус атрофидаги
саждагоҳларда* бутпараст руҳонийларни тайинлаган эдилар. Ўша руҳонийлар
саждагоҳларда қурбонликлар келтирарди. Йўшиё Баалга, қуёшга, ойга,
сайёраларга ва жамики самовий жисмларга қурбонлик қилган ўша руҳонийларни
йўқ қилди. 6 У Эгамизнинг уйидан Ашеранинг устунини Қуддус ташқарисига —
Қидрон сойлигига чиқариб ёқди. Майдалаб кул қилиб, кулни авом халқнинг
қабрлари устига сепди. 7 Фоҳишларнинг* Эгамиз уйидаги ҳужраларини бузди. У
ерда аёллар Ашерага атаб тўқув ишларини бажаришарди.
8 Йўшиё Яҳудо шаҳарларидан ҳамма руҳонийларни чиқариб юборди. Гебодан
Бершебагача руҳонийлар қурбонликлар келтирадиган саждагоҳларни булғаб,
ҳаром қилди. У Қуддус ҳокими Ёшуа дарвозасининг киришидаги саждагоҳларни
йўқотди. Бу дарвоза шаҳарга киришда чап томонда эди. 9 Саждагоҳларнинг
руҳонийлари Эгамизнинг Қуддусдаги қурбонгоҳига қурбонлик қилишмас, лекин
руҳоний биродарларнинг улушидан хамиртурушсиз нон тановул қила олардилар.
10 Йўшиё, бирортаси ўғлини ёки қизини Мўлахга қурбонлик қилмасин, оловда
куйдирмасин* деб, Хиннум сойлигидаги* Тофатда жойлашган саждагоҳни булғаб,
ҳаром қилди. 11 Яҳудо шоҳлари қуёшга атаган отларнинг ҳайкалини Эгамизнинг
уйи эшиги олдидан йўқотди. Отлар Эгамиз уйининг ҳовлисида — аъён
Натанмалекнинг хонаси ёнида эди. Йўшиё қуёшга аталган жанг араваларини ҳам
оловда ёқди.
12 Охознинг болохонаси томидаги Яҳудо шоҳлари қилдирган қурбонгоҳларни
ҳам, Эгамиз уйининг иккала ҳовлисида Манаше қилдирган қурбонгоҳларни ҳам

бузди ва майдалаб туйиб, Қидрон сойлигига сочиб юборди. 13 Қуддуснинг
шарқида — Макруҳ тоғининг жанубида* Исроил шоҳи Сулаймон Сидоннинг
макруҳ худоси Аштарет учун, Мўабнинг макруҳ худоси Хамўш учун ва Оммоннинг
макруҳ худоси Мўлах* учун қурдирган саждагоҳларни булғаб, ҳаром қилди. 14 У
бутсимон тошларни синдириб, Ашерага аталган устунларни қўпориб ташлади,
уларнинг ўрнини инсон суяклари билан тўлдирди*.
15 Бундан ташқари, Исроилни гуноҳга ботирган Набат ўғли Ерибом Байтилда
ўрнатган саждагоҳни ҳам, қурбонгоҳни* ҳам йўқотди. Саждагоҳга ўт қўйиб,
кулини кўкка совурди. У Ашеранинг устунига ўт қўйиб юборди. 16 Сўнгра Йўшиё
қайрилиб қараб, адирдаги қабрларни кўрди. У ердаги қабрларни кўргач,
одамларини юбориб, мозорлардаги суякларни чиқартирди, Эгамизнинг сўзига
биноан, суякларни қурбонгоҳда ёқди ва шу тариқа қурбонгоҳни булғаб, ҳаром
қилди. Зотан, бу ҳақда пайғамбар қурбонгоҳга нидо қилган эди*.
17 — Анави ёдгорлик тоши кимники? — деб сўради Йўшиё.
— Яҳудодан келиб, Байтилдаги қурбонгоҳда сиз қилган ишлар тўғрисида
нидо қилган пайғамбарнинг қабридир, — дея жавоб беришди шаҳар аҳолиси.
18 — Унга тегманглар, — деди шоҳ. — Ҳеч ким унинг суякларини безовта
қилмасин.
Шундай қилиб, пайғамбарнинг суякларига ҳам, Самариядан келган
пайғамбарнинг* суякларига ҳам тегмадилар.
19 Исроил шоҳлари бутун юрт бўйлаб бегона худоларнинг саждагоҳларини
қуриб Эгамизни ғазаблантирган эдилар. Йўшиё, худди Байтилда қилганидай, бу
саждагоҳларни вайрон қилиш учун сипоҳлар жўнатди. 20 Ўша шаҳарлардаги
саждагоҳларнинг ҳамма руҳонийларини қурбонгоҳларда бўғизлади. Инсон
суякларини қурбонгоҳларда ёқди. Шундан кейин Қуддусга қайтиб кетди.

Йўшиё Фисиҳ зиёфатини нишонлайди

21 Шоҳ: “Эгангиз Худонинг Фисиҳ зиёфатини бу Таврот китобида* ёзилганидай
нишонланг”, деб халққа фармон берди. 22-23 Шундай қилиб, Йўшиё
ҳукмронлигининг ўн саккизинчи йилида халқ Қуддусга йиғилиб, Эгамизга
аталган Фисиҳ зиёфатини катта қилиб нишонлади. Исроилга раҳнамолик қилган
ҳакамлар давридан буён на Исроил шоҳларининг, на Яҳудо шоҳларининг
ҳукмронлиги пайтида Фисиҳ зиёфати шу қадар нишонланган эди.

Йўшиё жорий қилган ислоҳотлар

24 Йўшиё яна руҳоний Хилқиё Эгамизнинг уйидан топган китобда ёзилган
қонунни ижро этмоқ мақсадида арвоҳ чақирувчиларни, фолбинларни, хонаки
санамларни* ва бошқа бутларни, Яҳудо ва Қуддусда пайдо бўлган ҳамма макруҳ
нарсаларни йўқ қилиб ташлади. 25 Йўшиёдан олдин ҳам, кейин ҳам унга ўхшаб
Мусонинг ҳамма қонунларига мувофиқ, бутун қалби билан, жону дили билан,
бутун вужуди билан Эгамизга итоат этган бирон шоҳ чиқмади.
26 Лекин Манаше қилган гуноҳлари билан Эгамизнинг қаттиқ қаҳрини
келтиргани учун, Эгамиз Яҳудога қарши алангаланган ғазабини ҳали
қайтармаган эди. 27 Шунинг учун Эгамиз: “Исроил халқини ҳузуримдан қандай
ҳайдаган бўлсам, Яҳудо халқини ҳам шундай ҳайдайман. Ўзим танлаган шаҳар —
Қуддусдан юз ўгираман. Ҳа, Мен ўша ерда улуғланаман, деб айтган уйимни* тарк
этаман”, деган эди.

Йўшиёнинг ўлими

28 Йўшиёнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Яҳудо шоҳлари тарихи”
китобида ёзилган. 29 Йўшиё ҳукмронлиги пайтида Миср фиръавни Нехо Оссурия

шоҳига ёрдам бериш учун Фурот дарёси томон йўлга чиқди. Шоҳ Йўшиё эса Нехонинг устига юриш қилди. Магидўда* тўқнашганларида, Нехо Йўшиёни ўлдирди*. 30 Аъёнлари Йўшиёнинг жасадини жанг аравасида Магидўдан Қуддусга олиб келиб, ота–боболари хилхонасига дафн қилдилар. Яҳудо халқи Йўшиёнинг ўғли Ёҳухозга мой суртиб, уни отасининг ўрнига шоҳ қилиб кўтардилар.

Яҳудо шоҳи Ёҳухоз

31 Ёҳухоз йигирма уч ёшида тахтга ўтириб, Қуддусда уч ой шоҳлик қилди. Онасининг исми Хамутал бўлиб, Либналик Еремиёнинг* қизи эди. 32 Ёҳухоз ота–боболарига ўхшаб Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди.

33 Фиръавн Нехо шоҳ Ёҳухознинг Қуддусдаги ҳукмронлигига чек қўйиб, уни Хомат юртидаги Ривло шаҳрида* занжирбанд қилди. Юрт халқидан 200 пуд* кумуш ва 2 пуд* олтин ўлпон талаб қилди. 34 Фиръавн Нехо Йўшиёнинг ўғли Элияқимни отасининг ўрнига шоҳ қилди ва исмини ўзгартириб Ёҳайиқим қўйди. Сўнгра Ёҳухозни олиб Мисрга қайтди. Ёҳухоз ўша ерда вафот этди.

Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим

35 Ёҳайиқим фиръавн истаган олтин ва кумушни берди. Нехога ўлпон тўлаш учун эса юрт халқига солиқ солди ва ҳар биридан бойлигига қараб олтин ва кумуш йиғди. 36 Ёҳайиқим йигирма беш ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўн бир йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Забудо бўлиб, Румахлик Подиёнинг қизи эди. 37 Ёҳайиқим, ота–боболари сингари, Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди.

24–БОБ

1 Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим ҳукмронлиги даврида Бобил шоҳи Навухадназар* Яҳудога ҳужум қилди. Ёҳайиқим уч йил унинг ҳукмдорлиги остида бўлди. Охири у Навухадназарга қарши исён кўтарди.

2 Эгамиз Ўз қуллари пайғамбарлар орқали айтганига кўра, Яҳудо халқига қарши Бобил*, Орам, Мўаб ва Оммон босқинчи тўдаларини юбориб, бу юрт халқини йўқ қилмоқчи бўлди. 3-4 Эгамизнинг амри билан Яҳудо халқининг бошига кўп кулфатлар келди. Манаше қилган барча гуноҳлари учун, айбсизларнинг қонини тўккани учун Эгамиз Яҳудо халқини Ўз ҳузуридан ҳайдамоқчи бўлди. Манаше Қуддусни айбсизларнинг қонига ботирган эди. Эгамиз Манашени бу қилмиши учун кечирмоқчи эмасди.

5 Ёҳайиқимнинг бошқа ишлари, бутун фаолияти “Яҳудо шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 6 Ёҳайиқим оламдан ўтгач, ўрнига ўғли Ёҳайихин шоҳ бўлди.

7 Миср фиръавни қайтиб ўз юртидан ташқарига чиқмади*. Бобил шоҳи Мисрнинг шимолий чегараси — Миср чегарасидаги ирмоқдан* тортиб, Фурот дарёсигача фиръавнга қарашли бўлган ҳамма ерларни босиб олган эди.

Яҳудо шоҳи Ёҳайихин

8 Ёҳайихин ўн саккиз ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда уч ой ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Нахушта бўлиб, Қуддуслик Элнатаннинг қизи эди. 9 Ёҳайихин ҳам, отаси каби, Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди.

10 Ўша пайтда Бобил шоҳи Навухадназарнинг лашкари Қуддусни қамал қилди. 11 Қамал пайтида Навухадназарнинг ўзи Қуддусга келди. 12 Яҳудо шоҳи Ёҳайихиннинг ўзи, онаси, хизматкорлари, лашкарбошилари, сарой аъёнлари Навухадназарга таслим бўлдилар. Бобил шоҳи ҳукмронлигининг саккизинчи йилида* Ёҳайихин асирга олинди.

13 Эгамизнинг айтгани бўйича*, Навухадназар Эгамизнинг уйидаги ва шоҳ

саройидаги барча хазиналарни бўшатди. Исроил шоҳи Сулаймон Эгамизнинг уйи учун ясаттирган олтин ашёларнинг ҳаммасини майдалади. 14 Жамики Қуддус аҳолисини, бекларни, жасур сипоҳларни, ҳунармандларни, темирчиларни, ҳаммаси бўлиб ўн мингта одамни асир қилиб олиб кетди. Яҳудо халқининг энг қашшоқларидан бошқа ҳеч ким бу юртда қолмади.

15 Бобил шоҳи Навухадназар Ёҳайихинни асир қилгандан кейин, Бобилга олиб келди. Ёҳайихин билан бирга унинг онасини, хотинларини, аъёнларини ва юртнинг обрўли одамларини ҳам Қуддусдан Бобилга ҳайдаб келди. 16 Бундан ташқари, ҳамма жасур сипоҳларни — етти мингта сипоҳни, жанг қилишга қодир мингта ҳунарманд ва темирчини ҳам асир қилиб олиб кетди.

17 Ёҳайихиннинг ўрнига эса амакиси Маттаниёни шоҳ қилиб тайинлади ва унинг отини ўзгартириб, Зидқиё қўйди.

Яҳудо шоҳи Зидқиё

18 Зидқиё йигирма бир ёшида шоҳ бўлди ва Қуддусда ўн бир йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Хамутал бўлиб, Либналик Еремиёнинг* қизи эди.
19 Зидқиё ҳам, Ёҳайиқим каби, Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилгани учун 20 Эгамиз Қуддус ва Яҳудо халқидан ғоят ғазабланган, оқибатда уларни Ўз ҳузуридан қувиб юборган эди.

Қуддус қулайди

Зидқиё Бобил шоҳига қарши исён кўтарди.

25–БОБ

1 Зидқиё ҳукмронлигининг тўққизинчи йили ўнинчи ойининг* ўнинчи кунида Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусга қарши бутун лашкарини тортиб келиб, шаҳарни қамал қилди. Шаҳар девори атрофида қамал иншоотларини* ясатди.

2 Шоҳ Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йилигача шаҳар қамалда қолди.
3 Тўртинчи* ойнинг* тўққизинчи куни шаҳарда очарчилик шу қадар кучайдики, халқ бир бурда нонга зор бўлди. 4 Бобилликлар* Қуддус деворини ёриб кирдилар. Улар Қуддусни ҳар томондан қуршаб олишган бўлсалар–да, Яҳудо сипоҳлари шоҳ билан бирга қочиб кетдилар. Улар тунда саройнинг боғи яқинидаги икки девор орасидаги дарвозадан чиқиб, Иордан водийси* томонга қочган эдилар. 5 Аммо Бобил сипоҳлари шоҳнинг орқасидан қувиб, Ерихо текислигида унга етиб олдилар. Бутун лашкар эса шоҳни ташлаб қочиб кетди.

6 Бобил сипоҳлари шоҳ Зидқиёни ушлаб, Ривло шаҳрига* Бобил шоҳи ҳузурига олиб келдилар. Бобил шоҳи Зидқиёни ҳукм қилди. 7 Зидқиёнинг кўзи олдида ўғилларини қатл қилиб, ўзининг кўзларини ўйиб олдилар. Кейин уни кишанлаб, Бобилга олиб кетдилар.

Маъбад вайрон бўлади

8 Бешинчи ойнинг еттинчи кунида, Бобил шоҳи Навухадназар ҳукмронлигининг ўн тўққизинчи йилида* Бобил шоҳининг амалдори — қўриқчилар сардори Набизарадон Қуддусга кирди. 9 У Эгамизнинг уйига, шоҳ саройига, ҳар бир ҳашаматли иморатга, Қуддусдаги ҳамма уйларга ўт қўйди.
10 Қўриқчилар сардори бошчилигида бутун Бобил лашкари Қуддус деворларини йиқитди. 11 Набизарадон қолган ҳамма халқни — шаҳарда тирик қолганларни, Бобил шоҳи томонга ўтган қочоқларни асир қилиб олиб кетди. 12 Узумчилик ва деҳқончилик билан машғул бўлсинлар дея, ҳеч вақоси йўқ, қашшоқ одамлардан баъзиларинигина қолдирди, холос.

13 Бобилликлар Эгамизнинг уйидаги бронза устунларни, араваларни, бронза
ҳовузни* парчалаб, бронзанинг ҳаммасини Бобилга олиб кетдилар. 14 Эгамизнинг
уйида хизмат пайтида ишлатиладиган идишларни — қозонларни, кураклари,
қайчилар ва куракчаларни, барча бронза ашёларни ҳам олиб кетдилар.
15 Набизарадон тоза олтин ва кумуш оловкуракларни, тоғорачаларни, ҳамма
олтин ва кумуш буюмларни олиб кетди.
16 Эгамизнинг уйи учун Сулаймон қилдирган икки устун, ҳовуз ва араваларга
беҳисоб бронза сарф қилинган эди. 17 Ҳар бир устуннинг баландлиги 18 тирсак*
бўлиб, тепасида бронзадан ясалган устунқош бор эди. Иккала устунқошнинг
баландлиги 5 тирсакдан*, атрофлари бронзадан ясалган тўрсимон безак ва анор*
тасвири билан безатилган эди.

Яҳудо халқи Бобилга кўчирилади

18 Қўриқчилар сардори Набизарадон олий руҳоний Сараёни, ундан кейинги
руҳоний Зафаниёни ва учта дарвозабонни ҳам асирга олди. 19 Қуддусда қолган
сипоҳларнинг лашкарбошисини, шоҳнинг бешта шахсий маслаҳатчисини, халқни
лашкар сафига ёзган лашкарбошининг котибини ва халқдан шаҳарда қолган
олтмиш кишини ҳам банди қилди. 20 Уларнинг ҳаммасини Ривло шаҳрига —
Бобил шоҳи ҳузурига олиб келди. 21 Бобил шоҳи уларни Хомат юртида — Ривлода
қатл қилди. Шундай қилиб, Яҳудо халқи ўз юртидан сургун бўлди.

Яҳудо ҳокими Гадалиё

22 Бобил шоҳи Навухадназар Яҳудода қолган халқ устидан Гадалиёни ҳоким
қилиб тайинлади. Шофоннинг набираси Гадалиё Охихамнинг ўғли эди. 23 Бобил
шоҳи Гадалиёни ҳоким қилиб тайинлаганини лашкарбошилар ва сипоҳлар
эшитишгач, Миспахга*, Гадалиёнинг ҳузурига келдилар. Келганлар Натаниё ўғли
Исмоил, Кариёх ўғли Йўханон, Натуфолик Танхумат ўғли Сараё, Махолик Язаниё
ва уларнинг одамлари эди.
24 Гадалиё келганларга ва уларнинг одамларига онт ичиб, шундай деди:
“Бобилликларга тобе бўлишдан қўрқманглар. Бу юртда ўрнашиб, Бобил шоҳига
хизмат қилаверинглар. Шунда сизларга яхши бўлади.”
25 Ўша йилнинг еттинчи ойида* шоҳ уруғидан бўлган Исмоил ўнта одами
билан бирга Миспахга бориб, Гадалиёни ўлдирди. Исмоил Элишаманинг
набираси, Натаниёнинг ўғли эди. У Миспахда Гадалиё билан бирга бўлган Яҳудо
одамларини ва Бобилликларни ҳам қиличдан ўтказди. 26 Шундан кейин жамики
халқ — бою камбағал Бобилликлардан қўрқиб, лашкарбошилар билан бирга,
Мисрга қочиб кетди.

Ёҳайихин озодликка чиқади

27 Яҳудо шоҳи Ёҳайихин Бобилга сургун қилинганига ўттиз етти йил бўлганда,
Бобил тахтига Эвилмардух ўтирди*. Эвилмардух ўша йилнинг ўн иккинчи ойи
йигирма еттинчи куни* Яҳудо шоҳи Ёҳайихинни зиндондан озод қилди. 28 Унга
яхши муносабатда бўлди, Бобилга сургун қилинган бошқа шоҳлардан кўра,
баландроқ мартаба берди. 29 Шундай қилиб, Ёҳайихин зиндон кийимларини ечди.
Умр бўйи доимо Бобил шоҳининг дастурхонидан таом еди. 30 Умрининг охиригача
шоҳ тарафидан кундалик эҳтиёжи ҳар доим қондирилди.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Исроил* — мазкур китобда шимолий шоҳлик *Исроил* деган ном билан, жанубий шоҳлик эса *Яҳудо* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

1:1 *Исроил шоҳи Ахабнинг вафотидан кейин…* — шоҳ Ахаб тахминан милоддан олдинги 850 йилда вафот этди.

1:1 *Мўаб юрти* — Ўлик денгизнинг шарқий қирғоғида жойлашган.

1:1 *…Мўаб юрти Исроилга қарши исён кўтарди* — Мўаб юртини шоҳ Довуд босиб олиб, ўзига қарам қилиб олган эди (2 Шоҳлар 8:2 га қаранг). Мўаб исёнининг батафсил баёни 3:4-27 да ёзилган.

1:2 *…саройининг томи…* — қадимги пайтларда уйларнинг томи текис бўлиб, одатда атрофи панжара ёки тўсиқ билан ўралган эди. Одамлар томга чиқиб дам олишарди.

1:2 *Эхрон шаҳри* — Эхрон Филистларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳри эди. Эхрон Самариядан қарийб 65 километр жануби–ғарбда жойлашган.

1:2 *Баал–Забуб* — Эхрон аҳолиси Канъон худоси Баални шу ном билан аташарди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БААЛ сўзига қаранг.

1:9 *Худонинг одами* — Эгамиз пайғамбарининг яна бир номи.

1:17 *…Ёрам шоҳ бўлди. Бу воқеа юз берганда, Яҳудо шоҳи Ёҳурам иккинчи йил шоҳлик қилаётган эди* — 3:1 га кўра, бу воқеа Яҳудо шоҳи Ёҳурамнинг отаси Ёҳушафат ҳукмронлигининг ўн саккизинчи йилида юз берган. Қадим замонларда ота билан ўғил бир вақтнинг ўзида тахтда ўтириб ҳукмронлик қилган ҳоллар ҳам бўлган. Шоҳ ота вафот этган пайтда, ўғил анчадан бери шоҳликни бошқариб келаётган бўлар эди (яна 8:16 га қаранг).

2:1 *Гилгал шаҳри* — Байтилдан қарийб 13 километр шимолда жойлашган.

2:9 *…менга икки ҳисса кўп мерос қолсин…* — қонун бўйича, қадимги Исроилда тўнғич ўғилга отасидан икки ҳисса мерос қолар эди, бу оятда Элишай тўнғич ўғилнинг улушини сўраяпти (Қонунлар 21:17 га қаранг).

2:12 *…эгнидаги кийимини иккига бўлиб ташлади* — бу ҳаракат қайғунинг бир белгиси эди.

2:22 *…ҳозиргача…* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

3:1 *Ёрам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёҳурам* (шу бобнинг 6–оятида ҳам бор).

3:1 *…Ёрам Самарияда Исроил тахтига ўтирди…Бу пайтда Ёҳушафат Яҳудода шоҳлик қилаётганига ўн саккиз йил бўлган эди* — 1:17 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

3:2 *Баалга атаб ўрнатган тош* — луғатдаги БУТСИМОН ТОШ иборасига қаранг.

3:3 *…Исроил халқини гуноҳга ботирган Набат ўғли Ерибом қилган гуноҳлар…* — Ерибом Исроилда ҳукмронлик қилган вақтда, Исроил халқи сажда қилсин деб, иккита олтин бузоқ ясаган ва бирини Байтил шаҳрига, иккинчисини Дан шаҳрига ўрнаштирган эди (3 Шоҳлар 12:26-30 га қаранг).

3:4 *Мўаб* — бу юрт Ўлик денгизнинг шарқий қирғоғида жойлашган эди.

3:8 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди. Ёрам Ўлик денгизни айланиб ўтиб, Мўабга жануб томондан ҳужум қилишни режалаштирган эди.

3:11 *...у доимо Илёснинг хизматида бўлган эди...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...у Илёснинг қўлига сув қуйиб турар эди...*.

3:13 *...ўз ота–онангнинг пайғамбарлари...* — бу ерда Канъон халқларининг худолари Баал ва Ашера назарда тутилган (3 Шоҳлар 16:30-33, 18:19 га қаранг). Шоҳ Ёрамнинг отаси Ахаб ва онаси Изабел ўша худоларга сажда қилишар эди.

3:20 *...эрталабки қурбонлик пайтида...* — эрталаб соат тўққизларда.

4:8 *Шунам* — Исроилдаги бир шаҳар, Самариядан қарийб 40 километр шимолда жойлашган.

4:16 *Худонинг одами* — Эгамиз пайғамбарининг яна бир номи.

4:23 *...Янги ой шодиёнаси куни...Шаббат куни...* — табаррук кунлар бўлиб, одамларнинг назарида пайғамбардан маслаҳат олиш учун энг яхши пайт ҳисобланарди.

4:25 *Кармил тоғи* — Шунамдан қарийб 32 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

4:38 *Гилгал* — Байтилдан қарийб 13 километр шимолда жойлашган шаҳар.

4:42 *Баал–Шолишо шаҳри* — бу шаҳар Исроилнинг айнан қаерида жойлашгани маълум эмас, эҳтимол Шакам атрофларида жойлашган бўлиши мумкин.

5:1 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир (шу бобнинг 6, 11, 27–оятларида ҳам бор). Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади.

5:3 *Самариядаги пайғамбар* — Элишай пайғамбар назарда тутилган.

5:5 *Исроил шоҳи* — Исроил шоҳи Ёрам назарда тутилган (3:1 га қаранг).

5:5 *йигирма бир пуд* — ибронийча матнда *ўн талант*, тахминан 340 килога тўғри келади.

5:5 *тўрт пуд* — ибронийча матнда *олти минг шақал*, тахминан 68 килога тўғри келади.

5:17 *...қулингизга иккита хачир кўтара оладиган тупроқ олиб кетишга ижозат беринг* — қадимда одамлар, ҳар бир юртнинг ўз худоси бор ва у худоларга фақатгина ўша юртларда ёки ўша юртнинг тупроғидан қурилган қурбонгоҳда сажда қилиш мумкин, деб ишонишган.

5:22 *икки пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

5:23 *тўрт пуд* — ибронийча матнда *икки талант*, тахминан 68 килога тўғри келади.

6:13 *Дўтан* — Самариядан қарийб 15 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар.

6:24 *Орам шоҳи Банҳадад* — Орамнинг бир нечта шоҳи Банҳадад исми билан аталган эди. Бу оятдаги Банҳадад 3 Шоҳлар 20:1 да айтиб ўтилган Банҳадад бўлмаслиги ҳам мумкин.

6:25 *саксон кумуш танга* — ибронийча матнда *саксон шақал кумуш*, тахминан 900 граммга тўғри келади.

6:25 *икки коса каптар ахлати* — ибронийча матнда *чорак қаб каптар ахлати*, тахминан 300 миллилитрга тўғри келади. *Каптар ахлати* егулик ёки ёнилғи сифатида ишлатилган бўлиши мумкин. Бу, эҳтимол, айрим ўсимлик уруғларининг пўстлоғидан ёки қовурилган ловиядан тайёрланадиган бирор таомнинг оғзаки номи ҳам бўлгандир.

6:25 *беш кумуш танга* — ибронийча матнда *беш шақал кумуш*, тахминан 55 граммга тўғри келади.

6:26 *Исроил шоҳи* — бу ўринда Ёҳухоз ёки Йўш, ҳаттоки Ёрам ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

6:30 *...қайғудан либосларини йиртди...либоси ичидаги қанор...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Кийимларни йиртиш ва қанор кийиб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

7:1 *ярим тоғора* — ибронийча матнда *бир сеха*, тахминан 7,5 килога тўғри келади (шу бобнинг 16, 18–оятларида ҳам бор).

7:1 *бир кумуш танга* — ибронийча матнда *бир шақал кумуш*, тахминан 11 граммга тўғри келади (шу бобнинг 16, 18–оятларида ҳам бор).

7:1 *бир тоғора* — ибронийча матнда *икки сеха*, тахминан 15 килога тўғри келади (шу бобнинг 16, 18–оятларида ҳам бор).

7:3 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир (шу бобнинг 8–оятида ҳам бор). 5:1 изоҳига қаранг.

8:1 *...ўзи тирилтирган бола...* — бу воқеанинг батафсил баёни 4:8-37 да берилган.

8:8 *...Хазайил деган одам...* — Банҳададнинг аъёнларидан бири бўлиши мумкин.

8:13 *...сен Орам шоҳи бўласан...* — илгари Худо буни Илёс пайғамбарга аён қилган эди (3 Шоҳлар 19:15 га қаранг). Илёс пайғамбар Элишайнинг устози эди.

8:16 *Ёҳушафат ҳали Яҳудо шоҳи бўлиб турганда, унинг ўғли Ёҳурам ҳам тахтга ўтирди* — қадим замонларда ота билан ўғил бир вақтнинг ўзида тахтда ўтириб ҳукмронлик қилган ҳоллар ҳам бўлган. Шоҳ ота вафот этган пайтда, ўғил анчадан бери шоҳликни бошқариб келаётган бўлар эди.

8:21 *Ёҳурам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёрам* (шу бобнинг 23, 24–оятларида ҳам бор).

8:22 *...ҳозиргача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

8:22 *Либна шаҳри* — Қуддусдан қарийб 20 километр ғарбда жойлашган.

8:28 *Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ўлка.

8:29 *Йизрил шаҳри* — Исроилнинг шимолида, Рамўтдан қарийб 65 километр масофада жойлашган.

9:15 *Ёрам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёҳурам* (шу бобнинг 17, 21, 22, 23, 24–оятларида ҳам бор).

9:15 *Ёрам...Йизрилга қайтган эди* — 8:28-29 га қаранг.

9:21 *...Йизриллик Навўтнинг даласи...* — Навўт ва унинг даласи билан боғлиқ бўлган воқеанинг баёни 3 Шоҳлар 21:1-29 да берилган.

9:27 *...Байт–Хагон шаҳрига қараб қочди...* — ёки *...боғдаги уйнинг йўлидан қочди....*

9:31 *...ҳукмдорини ўлдирган Зимри...* — Зимри лашкарбоши эди, у тахтни эгаллаш

ниятида Исроил шоҳи Элохни ва унинг бутун оиласини ўлдирган эди. Аммо Зимрининг ҳукмронлиги етти кун давом этган, холос (3 Шоҳлар 16:8-20 га қаранг).

9:34 *шоҳ қизи* — Изабел Сидон шоҳи Этбаалнинг қизи эди (3 Шоҳлар 16:31 га қаранг).

9:36 *Эгамизнинг…айтган бу сўзлари бажо бўлди* — Эгамиз айтган сўзларнинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 21:23 да берилган.

10:10 *Эгамиз…айтган сўзини бажо қилди* — Эгамиз айтган сўзларнинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 21:17-24 да берилган.

10:21 *Баалнинг уйи* — бу ибодатхонани Изабелнинг эри шоҳ Ахаб қурдирган эди (3 Шоҳлар 16:32 га қаранг).

10:27 *Баалга аталган тош* — луғатдаги БУТСИМОН ТОШ иборасига қаранг.

10:27 *…бугунгача…* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

10:29 *…Исроил халқини гуноҳга ботирган Набат ўғли Ерибом қилган гуноҳлар…Байтил ва Дандаги олтин бузоқларга сажда қилиш…* — воқеанинг тафсилоти билан танишиш учун 3 Шоҳлар 12:26-30 га қаранг.

11:1 *Оталиё* — Исроил шоҳи Ахабнинг қизи — Яҳудо шоҳи Ёрамнинг беваси эди (8:16-18, 26 га қаранг).

11:2 *Ёҳурам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёрам*.

11:2 *Ёҳушева* — 2 Солномалар 22:11 га кўра, Ёҳушева руҳоний Ёҳайидонинг хотини эди (шу бобнинг 4–оятига қаранг).

11:4 *Харёллик қўриқчилар* — шоҳ ёллаган бу муҳожир сипоҳлар шоҳнинг шахсий қўриқчилари бўлиб хизмат қилган.

11:12 *шоҳлик қонунлари* — ёки *шоҳлик муҳри*. Бу ўринда ишлатилган ибронийча сўз қонунларнинг бир нусхасини (Қонунлар 17:18-19 га қаранг) ёки шоҳлик муҳри бўлган узукни билдиради. Бундай муҳр шоҳ ҳокимиятининг рамзи эди.

11:21 *Йўш* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёҳўш*.

12:1 *Йўш* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёҳўш* (шу бобнинг 2, 4, 6, 7, 18–оятларида ҳам бор).

12:3 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди. Баъзи бир пайтларда одамлар мана шу маҳаллий саждагоҳларда Эгамизга сажда қилардилар.

12:17 *Гат шаҳри* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

12:20 *Милло* — Қуддус шаҳри тепалик устида эди. Бу тепаликнинг шарқ томони ўпирилиб кетгани учун уни тузатиш шарт бўлган. Тепаликнинг ўпирилиб кетган жойи тупроқ билан тўлдирилган, кенгайтирилган ва мустаҳкамланган эди. Тепаликнинг бу қисми Милло деб аталарди.

13:5 *…бир қутқарувчи…* — ким назарда тутилгани маълум эмас.

13:6 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

13:9 *Ёҳўш* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўш* (шу бобнинг 10, 12, 13, 14, 25–оятларида ҳам бор).

13:14 *Отам! Отам! ...Сиз Исроилнинг қудратли ҳимоячисисиз–ку! Исроилнинг жанг аравaси ва отлиқ лашкари кабисиз!* — Элишай шу сўзлар билан Илёсга мурожаат қилган эди (2:12 га қаранг).

13:23 *...ҳозиргача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

14:1 *Ёҳўш* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўш* (шу бобнинг 23–оятида ҳам бор).

14:4 *саждагоҳлар* — 12:3 изоҳига қаранг.

14:6 *...Эгамиз...амр қилган эди* — Қонунлар 24:16 га қаранг.

14:7 *Туз водийси* — Ўлик денгизнинг жанубидаги ўлка.

14:11 *Байт–Шамаш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 24 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

14:13 *400 тирсак* — тахминан 180 метрга тўғри келади.

14:19 *Лахиш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 35 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

14:21 *Уззиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Озариё*.

14:22 *Элет шаҳри* — Синай ярим оролининг шарқида, Қизил денгизнинг шимолий қирғоғидаги бандаргоҳ шаҳар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

14:25 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

14:25 *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Араба денгизи*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Ўлик денгиз жойлашган чўл ерларни билдиради.

14:28 *...Яҳудога қарашли бўлган Дамашқ ва Хомат...* — бу ўринда иккита шоҳликка тегишли бўлган ҳудуд ҳақида гап кетяпти. Бу ҳудудларнинг марказлари Дамашқ ва Хоматда жойлашган эди. Илгари, Довуд ва Сулаймон ҳукмронлиги даврида, бу жойлар Яҳудога қарашли эди.

15:1 *Уззиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Озариё* (шу бобнинг 6, 7, 8, 17, 23, 27–оятларида ҳам бор).

15:4 *саждагоҳлар* — 12:3 изоҳига қаранг.

15:5 *тери касаллиги* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. 5:1 изоҳига қаранг.

15:12 *...Эгамизнинг Ёҳуга...айтган ваъдаси амалга ошди* — Закариё Ёҳунинг чевараси эди (10:28-31 га қаранг).

15:14 *Тирза* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг собиқ пойтахти (3 Шоҳлар 16:23-24 га қаранг).

15:19 *Тиғлатпиласар* — ибронийча матнда *Пул*, Тиғлатпиласарнинг яна бир исми. Тиғлатпиласар милоддан олдинги 745-727 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

15:19 *2000 пуд* — ибронийча матнда *1000 талант*, тахминан 34 тоннага тўғри келади.

15:20 *эллик кумуш танга* — ибронийча матнда *эллик шақал кумуш*, тахминан 600 граммга тўғри келади.

15:29 *Тиғлатпиласар* — милоддан олдинги 745-727 йилларда ҳукмронлик қилган. Бу оятда тасвирланган ҳодисалар тахминан милоддан олдинги 733 йилда рўй берган.

16:3 *...ҳатто ўз ўғлини қурбонлик қилиб, оловда куйдирди* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ҳатто ўз ўғлини оловдан ўтказди*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

16:4 *саждагоҳлар* — 12:3 изоҳига қаранг.

16:6 *Орам халқи* — ибронийча матнда *Эдомликлар* назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

16:7 *...сизга қарамман...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ўғлингизман...*.

16:17-18 *...аравалар...Бронзадан ясалган буқалар...ҳовуз...* — бу буюмлар Сулаймон ҳукмронлик қилган даврда ясалган эди. Бу буюмларнинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 7:23-39 да берилган.

17:3 *Оссурия шоҳи Шалманасар* — Тиғлатпиласарнинг ўғли бўлиб, милоддан олдинги 727-722 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

17:6 *Оссурия шоҳи* — Шалманасарнинг вориси Саргон II назарда тутилган бўлиши мумкин.

17:6 *...Самарияни қўлга киритиб...* — бу воқеа милоддан олдинги 722 йилда содир бўлган.

17:8 *Исроил шоҳлари* — бу ерда Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг шоҳларига нисбатан айтилган.

17:9 *саждагоҳлар* — 12:3 изоҳига қаранг.

17:10 *Ашера* — 13:6 изоҳига қаранг.

17:12 *Эгамиз...айтгани...* — Чиқиш 20:4-5 га қаранг.

17:17 *Ўғилларини, қизларини қурбонлик қилиб, оловда куйдирардилар...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўғилларини, қизларини оловдан ўтказардилар...*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

17:21 *...Эгамиз Довуд хонадонидан Исроилни тортиб олгандан кейин...* — бу воқеанинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 11:29-39 да берилган.

17:23 *...бугунгача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора (шу бобнинг 34, 41–оятларида ҳам бор).

17:24 *Самария* — пойтахтнинг номи бўлиб, собиқ Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган.

18:2 *Абиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Аби*. Унинг Абиё деган шакли 2 Солномалар 29:1 дан олинган.

18:4 *саждагоҳлар* — 12:3 изоҳига қаранг.

18:4 *Ашера* — 13:6 изоҳига қаранг.

18:4 *Мусо бронзадан ясаган Нахуштон номли илон тасвири...* — Саҳрода 21:6-9 га қаранг. *Нахуштон* номи ибронийчадаги *илон* ва *бронза* сўзларига оҳангдош.

18:10 *Қамалнинг учинчи йилида...* — яҳудийларнинг йил ҳисоби бўйича, йилнинг бирор қисми ҳам бир тўлиқ йил деб ҳисобланиши мумкин эди.

18:11 *Оссурия шоҳи* — Шалманасарнинг вориси Саргон II назарда тутилган бўлиши мумкин.

18:13 *Ҳизқиё ҳукмронлигининг ўн тўртинчи йили* — милоддан олдинги 701 йил.

18:13 *Оссурия шоҳи Санхарив* — милоддан олдинги 705-681 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

18:14 *Лахиш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 35 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

18:14 *640 пуд* — ибронийча матнда *300 талант*, тахминан 10 тоннага тўғри келади.

18:14 *64 пуд* — ибронийча матнда *30 талант*, тахминан 1 тоннага тўғри келади.

18:16 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

18:18 *мушовир* — луғавий маъноси *маслаҳатчи*. Бу ўринда *хабарчи*. У шоҳлик ичидаги ва халқ орасидаги хабарни шоҳга, шоҳнинг фармонларини халққа етказиб турган.

18:22 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди. Баъзи бир пайтларда одамлар мана шу маҳаллий саждагоҳларда Эгамизга сажда қилардилар.

18:22 *Ахир, Ҳизқиё...айтган экан–ку!* — Ҳизқиёнинг қилган ишларидан Худо мамнун эди (шу бобнинг 3-5–оятларига ва Қонунлар 12:2-7 га қаранг). Аммо Оссурия шоҳи бу сўзларни Яҳудо халқини ва Қуддус аҳолисини Ҳизқиёга қарши қўзғатиш ниятида, Худога итоат қилмасликка ва ишонмасликка ундаш мақсадида айтган эди (шу бобнинг 28-35–оятларига қаранг).

18:26 *орамийча* — орамий тили ўша даврда тижоратда ва халқаро дипломатик доираларда ишлатилган.

18:34 *Хомат билан Арпад шаҳарлари* — ҳозирги Сурияда жойлашган.

18:34 *...Сефарвайимнинг, Хана ва Иввахнинг...* — бу шаҳарлар қаерда жойлашгани маълум эмас.

18:34 *Самария* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти бўлиб, Оссурия томонидан босиб олинган.

19:1 *...қайғудан либосларини йиртди. Қанорга ўраниб...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Кийимларни йиртиш ва қанорга ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

19:8 *Лахиш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 35 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

19:9-10 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

19:15 *икки каруб* — қанотли самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

19:21 *Бокира қиз* — шаҳар ёки юрт аҳлига нисбатан қўлланган шеърий усул.

19:21 *Сион* — Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида

Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

19:26 *Томларда ўсган майсалар* — қадимги Исроилда одатда уйларнинг томлари тупроқдан бўлиб, шиббаланган. Баъзан томларда майсалар ўсиб чиқар, лекин қуёш ва гармсел таъсирида тез қуриб қолар эди.

19:28 *Энди мен бурнингдан ҳалқамни, Оғзингдан сувлиғимни ўтказаман* — Оссурияликлар асирларга шундай муносабатда бўлишар эди.

19:32 *…шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдирмайди* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча деворга қиялатиб тупроқ уйганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

19:36 *Найнаво* — Ниневия номи билан ҳам маълум.

19:37 *Арарат юрти* — кейинчалик Арманистон таркибига кирган. Ҳозирда эса Туркиянинг бир қисмини ташкил қилади.

19:37 *…Исархаддўн шоҳ бўлди* — милоддан олдинги 681-669 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

20:9 *Охознинг зинапояси* — археологик топилмаларга кўра, бу оятдаги зинапоялар вақтни кўрсатадиган махсус қурилма сифатида хизмат қилар эди.

20:12 *Мардухбаладон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Бардухбаладон*. Мардухбаладон милоддан олдинги 722-710 ва 704-703 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

20:20 *қувур* — бу қувур 520 метр узунликда бўлиб, қояни ўйиб қилинган эди. Сув қувур орқали шаҳар девори ташқарисидаги Гихўн сойлигидан шаҳар ичидаги Силоам ҳовузига келиб тушар эди. 2 Солномалар 32:2-4, 30 га қаранг.

21:3 *саждагоҳлар* — 12:3 изоҳига қаранг.

21:3 *Ашера* — 13:6 изоҳига қаранг.

21:6 *Ўғлини қурбонлик қилиб, оловда куйдирди…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўғлини оловдан ўтказди….* Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

21:7 *…Эгамиз бу уй тўғрисида…шундай деган эди…* — 3 Шоҳлар 9:3-5 га қаранг.

21:11 *Амор халқлари* — бу ўринда умумий ном бўлиб, бу ном остида Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерларда яшаган жамики халқлар назарда тутилган.

21:13 *Самарияга қарши ишлатган ўлчов ипи…Ахабнинг хонадонига қарши ишлатган шоқул…* — ўлчов ипи ва шоқул бу ўринда Худонинг адолатли ҳукмини билдирадиган рамз сифатида ишлатилган. Худо Самарияга қарши чиқарган ҳукм ҳақида шу китобнинг 17:5-23–оятларида, Ахаб ва унинг хонадонига қарши чиқарган ҳукм ҳақида эса 3 Шоҳлар 22:1-38 да ва шу китобнинг 10:1-11, 17–оятларида ёзилган. Шоқул — бинокорликда девор, устун ва шу кабиларнинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига оғирлик боғланган ипдан иборат асбоб.

22:17 *…ўз қўллари билан ясаган бутлари туфайли…* — ёки *…барча қилмишлари туфайли….*

23:2 *Таврот китоби* — ибронийча матнда *Аҳд китоби*, Таврот китобининг яна бир номи (22:8, 11 га қаранг).

23:4 *Ашера* — 13:6 изоҳига қаранг.

23:4 *Қидрон сойлиги* — Қуддус шаҳридан шарқда жойлашган. Сойлик — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

23:5 *саждагоҳлар* — 12:3 изоҳига қаранг.

23:7 *Фоҳишлар* — ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар. Лекин Эгамиз Исроил халқига бу йўл билан сажда қилишни қатъиян ман этган (Қонунлар 23:17-18 га қаранг).

23:10 *...ўғлини ёки қизини Мўлахга қурбонлик қилмасин, оловда куйдирмасин...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ўғлини ёки қизини Мўлахга оловдан ўтказмасин...*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

23:10 *Хиннум сойлиги* — Қуддус шаҳридан жанубда жойлашган.

23:13 *...Макруҳ тоғининг жанубида...* — Зайтун тоғининг жанубидаги тепаликка ишора. У ерда Сулаймон умрининг охирида бутпараст хотинлари таъсирида Канъон халқларининг худолари учун саждагоҳлар барпо қилганди (3 Шоҳлар 11:1-7 га қаранг).

23:13 *Мўлах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Милком*.

23:14 *...уларнинг ўрнини инсон суяклари билан тўлдирди...* — шу туфайли ўша жой ҳаром ҳисобланиб, сажда учун яроқсиз эди.

23:15 *...Ерибом Байтилда ўрнатган саждагоҳ...қурбонгоҳ...* — бу воқеанинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 12:32-33 да берилган.

23:16 *...Эгамизнинг сўзига биноан...бу ҳақда пайғамбар қурбонгоҳга нидо қилган эди* — Эгамиз айтган сўзларнинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 13:1-3 да берилган.

23:18 *...Самариядан келган пайғамбар...* — бу пайғамбар ҳақида 3 Шоҳлар 13:11-32 да батафсил ёзилган. Пайғамбар Байтил шаҳрининг ўзидан эди. Байтил шаҳри Исроилда, яъни шимолий шоҳликда жойлашган. Ўша даврда Исроил Самария деб юритилар эди.

23:21 *Таврот китоби* — ибронийча матнда *Аҳд китоби*, Таврот китобининг яна бир номи (22:8, 11 га қаранг).

23:24 *хонаки санамлар* — ибронийча матнда *терафим*. Одамлар бу санамлардан фол очишда фойдаланган бўлсалар керак.

23:27 *...Мен ўша ерда улуғланаман, деб айтган уйим...* — Эгамиз айтган сўзларнинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 8:16-29 да берилган.

23:29 *Магидў* — Жалила кўлидан қарийб 40 километр жануби–ғарбда жойлашган.

23:29 *...Миср фиръавни Нехо...Йўшиёни ўлдирди* — шу пайтда Миср фиръавни Нехо (милоддан олдинги 609-595 йилларда ҳукмронлик қилган) Оссурияликлар томонида эди. Нехо Оссурия шоҳининг қўли остидаги ерларни сақлаб қолишда

унга ёрдам бермоқчи бўлиб, Бобил лашкарига қарши уруш қилиш учун шимол томон йўл олганди. Яҳудо шоҳи Йўшиё эса Миср ва Оссуриянинг бу иттифоқидан мамнун эмасди, чунки уларнинг кучайиши Яҳудо шоҳлигининг осойишталигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

23:31 *Еремиё* — машҳур Еремиё пайғамбар эмас, унинг отдоши.

23:33 *Ривло шаҳри* — бу шаҳар Оронтес дарёси бўйида, ҳозирги Сурия ҳудудида жойлашган эди.

23:33 *200 пуд* — ибронийча матнда *100 талант*, тахминан 3,4 тоннага тўғри келади.

23:33 *2 пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

24:1 *Бобил шоҳи Навухадназар* — милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

24:2 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

24:7 *Миср фиръавни қайтиб ўз юртидан ташқарига чиқмади* — милоддан олдинги 605 йилда Кархамиш шаҳридаги жангда Навухадназар Миср лашкарини мағлуб қилди. Аммо бир неча йилдан сўнг орқага чекинишга мажбур бўлди, Ёҳайиқим эса бундан фойдаланиб исён кўтарди (шу бобнинг 1–оятига қаранг).

24:7 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна Ибтидо 15:18, Саҳрода 34:5 ва Ёшуа 13:3, 15:4, 47 га қаранг).

24:12 *Бобил шоҳи ҳукмронлигининг саккизинчи йилида…* — бу воқеалар милоддан олдинги 597 йилда содир бўлган.

24:13 *Эгамизнинг айтгани бўйича…* — Эгамиз айтган бу сўзларнинг батафсил баёни 20:16-18 да берилган.

24:18 *Еремиё* — машҳур Еремиё пайғамбар эмас, унинг отдоши.

25:1 *Зидқиё ҳукмронлигининг тўққизинчи йили ўнинчи ойи* — милоддан олдинги 589 йилнинг ўнинчи ойи. Иброний календарининг Табат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

25:1 *қамал иншоотлари* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча девор ёнига баланд қурилмалар ясаганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

25:3 *Тўртинчи* — ибронийча матнда бу сўз йўқ. Тўртинчи сўзи Еремиё 52:5-6 дан олинган.

25:3 *Тўртинчи ой* — иброний календарининг Таммуз ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июннинг ўртасидан бошланади. Зидқиё шоҳлигининг ўн биринчи йилида содир бўлган бу воқеа милоддан олдинги 586 йилга тўғри келади.

25:4 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 5, 10, 13, 24, 25, 26–оятларида ҳам бор).

25:4 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсининг бир қисмига, айнан Ўлик денгизнинг шимолидаги ерларга нисбатан ишлатилган.

25:6 *Ривло шаҳри* — 23:33 нинг биринчи изоҳига қаранг.

25:8 *Бешинчи ойнинг еттинчи кунида…ўн тўққизинчи йилида…* — иброний календарининг бешинчи ойи, яъни милоддан олдинги 586 йилнинг август ойи.

25:13 *…бронза устунлар…аравалар…бронза ҳовуз…* — бу буюмлар Сулаймон ҳукмронлик қилган даврда ясалган. Мазкур буюмларнинг батафсил баёни 3 Шоҳлар 7:15-39 да берилган.

25:17 *18 тирсак* — тахминан 8,1 метрга тўғри келади.

25:17 *5 тирсак* — ибронийча матнда *3 тирсак*. “5 тирсак” деган ибора 3 Шоҳлар 7:16, 2 Солномалар 3:15, Еремиё 52:22 дан олинган. 5 тирсак тахминан 2,3 метрга, 3 тирсак тахминан 1,4 метрга тўғри келади.

25:17 *анор* — қадимги пайтларда ҳаёт рамзи эди.

25:23 *Миспах* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган шаҳар.

25:25 *Ўша йилнинг еттинчи ойи* — милоддан олдинги 586 йилнинг еттинчи ойи. Иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

25:27 *…Бобил тахтига Эвилмардух ўтирди* — у Навухадназарнинг ўғли бўлиб, милоддан олдинги 562-560 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

25:27 *ўша йилнинг ўн иккинчи ойи йигирма еттинчи куни* — иброний календарининг ўн иккинчи ойи, яъни милоддан олдинги 561 йилнинг апрель ойи.

СОЛНОМАЛАР
(БИРИНЧИ КИТОБ)

Кириш

“Солномалар (биринчи китоб)” ва “Солномалар (иккинчи китоб)”ларда Исроил халқининг тарихи баён қилинади. Гарчи иккала китобда “Шоҳлар” китобларидаги кўп воқеалар такрорланса ҳам, Исроил тарихи “Шоҳлар” китобларидагига қараганда бир оз бошқачароқ нуқтаи назардан ёритилади. “Шоҳлар” китоблари Исроил халқи Бобилга сургун қилинган даврда ёзилган бўлса, “Солномалар” китоблари халқ сургундан она юртига қайтгандан кейин ёзилган эди. Шу сабабдан “Солномалар” китобларида насабномаларга, шоҳ Довуд ва шоҳ Сулаймоннинг ҳукмронлиги даврига, шунингдек, Маъбаднинг қурилиши билан боғлиқ бўлган воқеаларга алоҳида урғу ва эътибор берилган. Шу орқали муаллиф сургундан қайтиб келган халқни ўз ўтмиши билан боғлаб турган ришталарни кўрсатмоқчи бўлади, Худонинг қилаётган ишларини мадҳ этади.

“Солномалар (биринчи китоб)” ва “Солномалар (иккинчи китоб)”нинг асл нусхаси битта ибронийча китоб бўлиб, иккала қисмни битта ўрамга жойлаш узунлик қилгани учун, китоб икки қисмга — “Солномалар (биринчи китоб)” ва “Солномалар (иккинчи китоб)”га бўлинган.

“Солномалар (биринчи китоб)”да шоҳ Довуд бош қаҳрамондир. У Қуддусни Худога сажда қилиш марказига айлантиради. Худога тўғри йўллар билан сажда қилишни ўз халқига ўргатади. Маъбадни Довуднинг ўғли Сулаймон қурган бўлса–да, Довуд Маъбаднинг асосчиси сифатида шуҳрат қозонади. У Худога чин кўнгилдан сажда қиладиган ва итоат этадиган инсон сифатида намуна қилиб кўрсатилади.

“Солномалар (биринчи китоб)”нинг кўп қисмида рўйхат берилган бўлиб, бу рўйхатга Одам Атодан шоҳ Шоул давригача бўлган насллар киритилган (1-9–боблар). Шоулнинг ўлими тўғрисидаги хабардан кейин (10–боб), шоҳ Довудга урғу берилади (11-29–боблар). Довуд қай тарзда шоҳ бўлгани ва Қуддусни пойтахт қилгани ҳикоя қилинади. Довуднинг сипоҳлари ва лашкарбошилари тўғрисидаги маълумот берилади. Сўнг Довуд муқаддас Аҳд сандиғини янги жойга — Қуддусга кўчиргани ҳақида сўз юритилади. Китобнинг охирида Довуд Худонинг Маъбадини қуриш учун қандай тайёргарлик кўргани ва ўғли Сулаймонга сажда маросимларига оид кўрсатмалар бергани тўғрисида баён қилинади.

1–БОБ

Одам Атодан Иброҳимгача бўлган насллар

Одам Атодан Нуҳ ўғилларигача бўлган насллар

[1] Одам Атодан Шет туғилди, Шетнинг насли қуйидагилардир: Энўш, [2] Хенан, Махалиёл, Ёред, [3] Ханўх*, Матушалоҳ, Ламак [4] ва Нуҳ.

Нуҳнинг Сом, Хом ва Ёфас деган уч ўғли бор эди*.

Ёфасдан келиб чиққан халқлар

[5] Ёфас насли: Гўмер, Магўг, Модай, Ёвон, Тувал, Мешех, Тирос ва улардан келиб чиққан халқлар.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

6 Гўмер насли: Ашканоз, Рифат*, Тўхармо ва улардан келиб чиққан халқлар.
7 Ёвон насли: Элишох, Таршиш, Кит, Рўдон ва улардан келиб чиққан халқлар.

Хомдан келиб чиққан халқлар

8 Хом насли: Куш*, Мизра*, Фут, Канъон ва улардан келиб чиққан халқлар.
9 Куш насли: Саво, Хавила, Сабто, Рамо, Сабтахо ва улардан келиб чиққан халқлар.
Рамо насли: Шава, Дедон ва улардан келиб чиққан халқлар.
10 Кушнинг наслида яна Нимрўд дегани ҳам бор эди. Нимрўд ер юзидаги биринчи буюк жангчи эди.
11 Мизра насли: Луд, Оном, Лахов, Нафтух, 12 Патрўс, Каслув, Хафтўр ва улардан келиб чиққан халқлар. Каслувдан Филист халқи келиб чиқди*.
13 Канъон насли: Канъоннинг тўнғич ўғли Сидон, Хет ва улардан келиб чиққан халқлар. 14 Канъондан Ёбус, Амор, Гиргош, 15 Хив, Оруқ, Син, 16 Арвод, Замар ва Хомат халқлари ҳам келиб чиқди.

Сомдан келиб чиққан халқлар

17 Сом насли: Элам, Ошур, Арпахшод, Луд, Орам ва улардан келиб чиққан халқлар.
Орам насли: Уз, Хул, Гетер, Мешех* ва улардан келиб чиққан халқлар.
18 Арпахшоднинг Шилах деган ўғли бор эди. Шилахнинг Ибир* деган ўғли бор эди.
19 Ибир икки ўғил кўрди: биринчисининг исмини Палах қўйди, чунки унинг даврида дунё бўлиниб кетди*. Иккинчисининг исми Ёхтон эди.
20 Ёхтоннинг насли: Элмўдод, Шалаф, Хазормават, Ёрах, 21 Ҳадорам, Узол, Дикла, 22 Обал*, Абумайл, Шава, 23 Офир, Хавила, Йўвов ва улардан келиб чиққан халқлар. Ёхтоннинг насли мана шулар эди.
24 Сомдан Иброҳимгача бўлган насллар қуйидагича эди: Сом, Арпахшод, Шилах, 25 Ибир, Палах, Раву, 26 Саруғ, Нахўр, Тераҳ, 27 Ибром, яъни Иброҳим.

Иброҳимнинг насли

28 Иброҳимнинг ўғиллари Исҳоқ ва Исмоилдир. 29 Уларнинг насл–насаби қуйидагичадир:

Исмоилнинг тўнғич ўғли — Наваёт, кейингилари — Кедар, Адбал, Мивсом, 30 Мишмо, Думах, Массо, Ҳадад, Темо, 31 Ятур, Нофиш ва Кедемах. Мана шулар Исмоилнинг ўғилларидир.
32 Чўри* Хатуро Иброҳимга туғиб берган ўғиллар — Зимрон, Ёхшон, Мидон, Мидиён, Йишбоқ ва Шувах. Ёхшоннинг Шава ва Дедон деган ўғиллари бор эди. 33 Мидиённинг Эфах, Ифар, Ханўх, Авидо ва Элдах деган ўғиллари бор эди. Мана шуларнинг ҳаммаси Хатуронинг авлодларидир.
34 Иброҳим ўғли Исҳоқнинг Эсов билан Ёқуб* деган ўғиллари бор эди.

Эсовнинг насли

35 Эсовнинг ўғиллари — Элифаз, Рувел, Ёуш, Ялом ва Кўрах.
36 Элифазнинг ўғиллари — Темон, Ўмар, Зафў*, Гатам, Ханаз ва Тимна исмли чўриси туққан ўғли Омолек*.
37 Рувелнинг ўғиллари — Нахат, Зерах, Шаммох ва Миззо.

Эдомнинг туб аҳолиси

38 Сеир* ўғиллари — Лўтон, Шўвал, Зибўн, Анаҳ, Дишон, Эзер ва Дишан.
39 Лўтоннинг ўғиллари — Хўри билан Хўмам. Лўтоннинг Тимна деган синглиси ҳам бор эди.

40 Шўвалнинг ўғиллари — Элиён, Монахат, Эбал, Шафо* ва Ўнам.
Зибўннинг ўғиллари — Оё билан Анаҳ.
41 Анаҳнинг ўғли — Дишон.
Дишоннинг ўғиллари — Хамдон*, Эшбон, Йитрон ва Херон.
42 Эзернинг ўғиллари — Билхан, Завон ва Оқон*.
Дишаннинг ўғиллари — Уз ва Орон.

Эдом шоҳлари ва йўлбошчилари

43 Ҳали Исроилда шоҳлар бўлмасдан олдин ҳам, Эдомда шоҳлар ҳукмронлик қилган эди. Бу шоҳлар қуйидагилардир:

Бавўр ўғли Белах. У Динхаба шаҳридан эди.
44 Белах вафот этгач, унинг ўрнига Зерах ўғли Йўвов шоҳ бўлди. У Бозрах шаҳридан эди.
45 Йўвов вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Хушом шоҳ бўлди. У Темон юртидан эди.
46 Хушом вафот этгач, унинг ўрнига Бадад ўғли Ҳадад шоҳ бўлди. У Обит шаҳридан эди. Ҳадад Мўаб юртида Мидиён лашкарини қириб ташлаган эди.
47 Ҳадад вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Самло шоҳ бўлди. У Масрихо шаҳридан эди.
48 Самло вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Шовул шоҳ бўлди. У Фурот дарёси* бўйидаги Рехобўт шаҳридан эди.
49 Шовул вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Ахбор ўғли Баалханон шоҳ бўлди.
50 Баалханон вафот этгандан кейин, унинг ўрнига Ҳадад шоҳ бўлди. У Поғу* шаҳридан эди. Ҳададнинг хотини Махитавал эди, Махитавалнинг отаси — Матрид, бобоси Мезахаб эди. 51 Охири Ҳадад ҳам оламдан ўтди.

Эдом йўлбошчилари қуйидагилар эди: Тимно, Элво*, Етет, 52 Охолибом, Элох, Пинон, 53 Ханаз, Темон, Мивзар, 54 Махдиёл ва Иром. Эдом йўлбошчилари ана шулардан иборатдир.

2–БОБ

Ёқубнинг насли

1 Ёқубнинг* ўғиллари қуйидагилардир: Рубен, Шимўн, Леви, Яҳудо, Иссахор, Забулун, 2 Дан, Юсуф, Бенямин, Нафтали, Гад ва Ошер.

Яҳудонинг насли

3 Яҳудонинг Ғур, Ўнан ва Шело деган ўғиллари бор эди. Бу учала ўғилни унга Канъонлик Ботшува* туғиб берганди. Яҳудонинг тўнғич ўғли Ғур Эгамизнинг олдида қабиҳ ишлар қилгани учун, Эгамиз унинг жонини олди. 4 Яҳудонинг келини Тамара ҳам Яҳудога Параз ва Зерах деган ўғилларни туғиб берди. Яҳудонинг ҳаммаси бўлиб беш ўғли бор эди.
5 Параздан Хазрон ва Хомул исмли икки ўғил туғилди.
6 Зерахнинг бешта ўғли бўлиб, уларнинг исмлари Зимри, Этхан, Хаман, Қолкўл ва Дардах* эди. 7 Зерах авлодидан бўлган Карми исмли бир одамнинг Охун* деган ўғли бор эди. Охун Эгамизга бағишланган нарсаларнинг бир нечтасини олиб, Исроил халқига кулфат келтирганди.
8 Этханнинг ўғли Озариё эди.

Яҳудонинг набираси Хазрондан Довудгача бўлган насллар

9 Хазроннинг учта ўғли бўлиб, исмлари Ярахмал, Рам ва Холиб* эди.
10 Рамдан Оминадав туғилди, Оминадав Яҳудо йўлбошчиси Нахшўннинг отаси
эди. 11 Нахшўндан Салмўн туғилди, Салмўндан Бўаз туғилди, 12 Бўаздан Обид
туғилди ва Обиддан Эссай туғилди.
13 Эссайнинг етти ўғли бўлиб, тўнғичи — Элиёб, иккинчиси — Абунадав,
учинчиси — Шимо, 14 тўртинчиси — Натанил, бешинчиси — Раддай, 15 олтинчиси
— Озим, еттинчиси Довуд эди*. 16 Уларнинг Зеруя ва Обигайл деган сингиллари
бор эди. Зеруянинг учта ўғли бўлиб, уларнинг исмлари Абушай, Йўаб ва Осойил
эди. 17 Обигайл Исмоил қавмидан бўлган Этер билан турмуш қуриб, Эмосани
туғди.

Хазроннинг насли

18 Хазрон ўғли Холибнинг Озиба ва Ярийўт деган хотинлари бор эди. Озиба
Холибга уч ўғил: Ешер, Шўвав ва Ардунни туғиб берди. 19 Озиба оламдан ўтгач,
Холиб Эфратага уйланди. Эфрата унга Хурни туғиб берди. 20 Хурдан Ури туғилди,
Уридан Базалил туғилди.
21 Хазрон олтмиш ёшга кирганда Мохирнинг қизи — Гиладнинг синглисига
уйланди. У Хазронга Сахув исмли ўғил туғиб берди. 22 Сахувдан Ёвир туғилди. У
Гиладдаги йигирма учта шаҳар устидан ҳукмронлик қиларди. 23 Кейинчалик
Гашур ва Орам халқлари Ёвир шаҳарларини*, шунингдек, Қанот шаҳри ва
атрофидаги олтмишта қишлоқни қўлга киритишди. Бу ерларда яшаётган халқ
Гиладнинг отаси Мохирнинг уруғидан эди.
24 Хазрон вафот этгандан кейин, ўғли Холиб отасининг бева қолган Эфрата
исмли хотинига уйланган эди. Улар Ашхур исмли ўғил кўрдилар*. Ашхур Тахува
шаҳрига асос солди*.

Хазрон ўғли Ярахмалнинг насли

25 Хазроннинг тўнғич ўғли Ярахмалдан бино бўлган ўғиллар қуйидагилардир:
тўнғич ўғли Рам, сўнгра Бунах, Орен, Озим ва Охиёдир. 26 Ярахмалнинг Отара
исмли бошқа хотини ҳам бор эди. Отара Ўнамни туғди.
27 Ярахмалнинг тўнғич ўғли Рамдан Маз, Ёмин ва Эхер бино бўлди.
28 Ўнамнинг Шаммай ва Ёдо деган ўғиллари бор эди.
Шаммай Надов ва Абушур исмли ўғиллар кўрди.
29 Абушурнинг Абуҳайил деган хотини бўлиб, улар Ахбон ва Мўлид деган
ўғиллар кўрди.
30 Надовдан Салед ва Опайим деган ўғиллар бино бўлди. Салед бефарзанд ўтиб
кетди.
31 Опайим — Йишининг отаси, Йиши — Шашоннинг отаси, Шашон Охлайнинг*
отаси эди.
32 Шаммайнинг укаси Ёдонинг Этер ва Йўнатан исмли иккита ўғли бор эди.
Этер бефарзанд ўтиб кетди.
33 Йўнатаннинг Палаф ва Зозо исмли иккита ўғли бор эди.
Мана шуларнинг ҳаммаси Ярахмалнинг насли эди.

34 Шашоннинг ўғли бўлмай, фақат қизлари бор эди, холос. Шашоннинг Ярхо
исмли бир Мисрлик қули ҳам бор эди. 35 Шашон қизини ўзининг қули Ярхога
узатди. Улар ўғил кўришди ва исмини Аттай қўйишди.
36 Аттайдан Натан туғилди, Натандан Забад туғилди, 37 Забаддан Эфлол
туғилди, Эфлолдан Обид туғилди, 38 Обиддан Ёҳу туғилди, Ёҳудан Озариё
туғилди, 39 Озариёдан Халез туғилди, Халездан Эласах туғилди, 40 Эласахдан

Сисмай туғилди, Сисмайдан Шаллум туғилди, 41 Шаллумдан Ёхамиё туғилди,
Ёхамиёдан Элишама туғилди.

Хазрон ўғли Холибнинг насли

42 Ярахмалнинг укаси Холиб икки ўғил кўрди, тўнғичининг исми Мешо ва
кенжасининг исми Моришо эди. Мешодан Зиф туғилди, Моришодан Хеврон
туғилди.
43 Хеврон Кўрах, Таппух, Раҳем ва Шема исмли ўғиллар кўрди. 44 Шемадан
Рахам туғилди, Рахамдан Ёрихим туғилди. Шеманинг акаси Раҳем Шаммай исмли
ўғил кўрди. 45 Шаммайдан Моюн туғилди. Моюндан Байтзур туғилди.
46 Холибнинг Эфах исмли чўриси* унга Хоронни, Мўзони ва Газезни туғиб
берди. Хорон ҳам Газез исмли бир ўғил кўрди. 47 Эфахнинг отаси Ёҳдойнинг Рахем,
Йўтом, Гешон, Палат ва Шаф деган ўғиллари ҳам бор эди.
48 Холибнинг Махо исмли бошқа бир чўриси* унга Шабар ва Тирхано исмли
ўғиллар туғиб берди. 49 Кейинроқ улар Шаф ва Шаво исмли яна икки ўғил
кўришди. Шаф Мадманно шаҳрига, Шаво эса Махбинах ва Гивиё шаҳарларига асос
солди*. Холибнинг Ахса исмли бир қизи ҳам бор эди.
50 Мана шуларнинг ҳаммаси Холибнинг насли эди.

Холиб ўғли Хурнинг насли

Эфратанинг Холибдан туғилган тўнғич ўғли Хур уч ўғил кўрди.
Биринчисининг исми Шўвал бўлиб, у Хират–Йўрим шаҳрига асос солди.
51 Иккинчисининг исми Салмо бўлиб, у Байтлаҳм шаҳрига асос солди.
Учинчисининг исми Хореф бўлиб, у Байт–Гадер шаҳрига асос солди.
52 Хират–Йўримнинг асосчиси Шўвалдан Ҳору халқи ва Монахат шаҳрининг
ярим аҳолиси бино бўлди. 53 Хират–Йўрим аҳолиси Йитар уруғи, Фут уруғи,
Шумот уруғи ва Мишрой уруғларидан ташкил топган эди. Зорох ва Эштойўл
шаҳарларининг аҳолиси ҳам шу уруғлардан келиб чиққан.
54 Натуфо, Отрўт–Байт–Йўаб ва Зорох шаҳарларининг аҳолиси ҳамда Монахат
шаҳрининг ярим аҳолиси Байтлаҳмнинг асосчиси Салмо наслидан ташкил топган
эди. 55 Ябиз шаҳрида истиқомат қилган котибларнинг уруғлари* ҳам Салмо
наслидан келиб чиққан бўлиб, улар Тиротликлар, Шиматликлар ва Сухотликлар
деган ном билан юритиларди. Булар Хайин халқидан бўлган Хаммат исмли бир
одамнинг авлодлари эдилар. Хаммат Рахав уруғининг бобокалони эди*.

3–БОБ

Шоҳ Довуднинг насли

1 Довуд Хевронда турган пайтда туғилган ўғиллари мана шулар эди:

тўнғичи — Омнўн. Омнўннинг онаси Йизриллик Охинавам эди.
Иккинчиси — Дониёр. Дониёрнинг онаси Кармиллик Обигайл эди.
2 Учинчиси — Абсалом. Абсаломнинг онаси Гашур шоҳи Талмайнинг қизи
Махо эди.
Тўртинчиси — Одониё. Одониёнинг онаси Хаггит эди.
3 Бешинчиси — Шафатиё. Шафатиёнинг онаси Обида эди.
Олтинчиси — Йитром. Йитромнинг онаси Эглах эди.

4 Довуднинг бу олти ўғли Хевронда туғилган эди.
Довуд бу ерда етти йилу олти ой, Қуддусда эса ўттиз уч йил ҳукмронлик
қилди. 5 Довуднинг Қуддусда туғилган ўғиллари эса қуйидагилардир: Шаммува*,

Шўвав, Натан ва Сулаймон. Бу тўртала ўғилни Довудга Омиёлнинг қизи Ботшева* туғиб берган. 6 Довуднинг яна тўққизта ўғли бўлиб, ўғилларининг исмлари қуйидагича эди: Йибхар, Элишува*, Элфалат*, 7 Нўгах, Нафах, Ёфия, 8 Элишама, Элёдах ва Элифалет.

9 Бу ўғилларидан ташқари, Довудга канизаклар* ҳам ўғиллар туғиб берган эди. Довуднинг Тамара деган қизи ҳам бор эди.

Шоҳ Сулаймоннинг насли

10 Сулаймоннинг наслидан чиққан шоҳлар қуйидагилар эди: Рахабом, Абиё, Осо, Ёҳушафат, 11 Ёҳурам*, Охозиё, Йўш, 12 Эмозиё, Уззиё*, Йўтом, 13 Охоз, Ҳизқиё, Манаше, 14 Омон ва Йўшиё.

15 Йўшиёнинг тўрт ўғли бор эди. Тўнғичи — Йўханон, иккинчиси — Ёҳайиқим, учинчиси — Зидқиё ва тўртинчиси Ёҳухоз* эди.

16 Ёҳайиқимнинг Ёҳайихин* билан Зидқиё деган ўғиллари бор эди.

Шоҳ Ёҳайихиннинг насли

17 Бобилга асир қилиб олиб кетилган Ёҳайихиннинг* ўғиллари қуйидагилардир: Шалтиёл, 18 Малкиром, Подиё, Шеназар, Ёхамиё, Хўшама ва Надавиё.

19 Подиёнинг Зарубабел ва Шимах деган ўғиллари бор эди.

Зарубабелнинг Машуллом, Ханониё деган ўғиллари ва Шалумит деган бир қизи бор эди. 20 Зарубабелнинг яна Хашува, Охил, Бархиё, Хасадиё ва Ёшахесед исмли бешта ўғли бор эди.

21 Ханониёнинг ўғиллари Пилатиё ва Ешаё эди. Ешаёдан Рафиё туғилди, Рафиёдан — Арнан, Арнандан — Ободиё, Ободиёдан Шаханиё туғилди.

22 Шаханиёнинг насли қуйидагича эди: унинг Шамаё исмли бир ўғли ва Хаттуш, Йихал, Бориёх, Нариё ва Шофот исмли бешта набираси бор эди. Ҳаммаси бўлиб олтита эдилар.

23 Нариёнинг Элийўнай, Хизқиё ва Озриком деган уч ўғли бор эди.

24 Элийўнайнинг Хўдавиё, Элиашаб, Палиё, Оққув, Йўханон, Далоё ва Онанах деган еттита ўғли бор эди.

4–БОБ

Яҳудонинг насли

1 Яҳудонинг Параз, Хазрон, Карми, Хур ва Шўвал деган ўғиллари бор эди.

2 Шўвал ўғли Раёдан Яхат туғилди. Яхатдан Охимай ва Лўҳад туғилдилар. Булар Зорох шаҳри аҳолисининг аждодлари эдилар.

3-4 Холиб ўғли Хурнинг авлодлари Байтлаҳм шаҳрига асос солдилар*. Хур онаси Эфратанинг тўнғич ўғли эди. Хурнинг Этом, Панувал ва Эйзар деган ўғиллари бор эди. Этомнинг Йизрил, Йишмо ва Йидбош исмли уч ўғли ва Хазалейпўн исмли бир қизи бор эди. Панувал Гадўр шаҳрига, Эйзар эса Хуша шаҳрига асос солди.

5 Тахува шаҳрига асос солган* Ашхурнинг Хела ва Наро исмли иккита хотини бор эди. 6 Наро Ашхурга тўртта ўғил туғиб берди. Уларнинг исмлари Охизам, Хафер, Таманах ва Ахаштори эди. 7 Хотини Хела эса Зарет, Изхор ва Этнан исмли уч ўғилни туғиб берди.

8 Кознинг Ониб ва Зобеба деган ўғиллари бор эди. Коз Харум ўғли Охархел уруғларининг бобокалони эди.

9 Ябиз исмли бир одам бор эди. У биродарларига қараганда, баланд обрўга эга эди. Онаси: “Уни дард чекиб туққанман”, деб исмини Ябиз* қўйган эди. 10 Ябиз

Исроил халқининг Худосига шундай деб ёлворди: “Кошкийди, Сен мени муборак қилиб, ҳудудимни кенгайтирсанг. Ёнимда бўлсанг, мени дардга йўлиқтирмай, кулфатдан сақласанг.” Худо унинг илтижоларини бажо қилди.
11 Шухонинг акаси Халубдан Махир туғилди. Махирдан Эштун туғилди.
12 Эштундан Байтрафа, Посиёх ва Тахинно туғилдилар. Тахинно Нахош шаҳрига асос солди*. Буларнинг авлодлари Рахада истиқомат қилардилар.
13 Ханазнинг Ўтниёл билан Сараё деган икки ўғли бор эди. Ўтниёлнинг ҳам Хатат билан Миёнўтай* деган икки ўғли бор эди. 14 Миёнўтайдан Ўфрах туғилди. Сараёдан Йўаб туғилди. Йўаб Гай–Харошим* шаҳрига асос солди. У ерда яшаган одамларнинг ҳаммаси ҳунарманд эди.
15 Яфунах ўғли Холиб уч ўғил кўрди. Уларнинг исмлари Иру, Элох ва Наям эди. Элохдан Ханаз туғилди.
16 Ёхалилнинг Зиф, Зифо, Тираё ва Осориёл деган ўғиллари бор эди.
17-18 Эзрахнинг Этер, Мирод, Ифар ва Ёлун деган ўғиллари бор эди. Мирод фиръавннинг қизи Битиёга уйланди, улар Марям исмли бир қиз ҳамда Шаммай ва Йишбох исмли икки ўғил кўришди. Йишбох Эштамўва шаҳрига асос солди. Мирод Яҳудо қабиласидан ўзига яна бир хотин олди. Бу хотини унга Ёред, Хабер ва Ёҳутал исмли уч ўғил туғиб берди. Ёред Гадўр шаҳрига, Хабер Сўху шаҳрига ва Ёҳутал Зонўвах шаҳрига асос солдилар.
19 Хўдиё Нахамнинг синглисига уйланди. Улардан Кейлахда истиқомат қилган Харм уруғи ва Эштамўвада истиқомат қилган Махо уруғлари келиб чиқди*.
20 Шимоннинг Омнўн, Рина, Банханон ва Тилўн деган ўғиллари бор эди.
Йишининг Зўхит ва Банзўхит деган ўғиллари бор эди.

Шелонинг насли

21 Яҳудонинг Шело исмли ўғли ҳам бор эди. Шелонинг насли қуйидагилардан ташкил топган эди: Леха шаҳрини қурган Ғур, Моришо шаҳрини қурган Ладо, Байт–Ашбия шаҳрида яшаган зиғир тўқувчиларнинг уруғи, 22 Йўхим ва Хозеба шаҳрининг аҳолиси. Йўш ва Сораф ҳам Шелонинг наслидан келиб чиққан эдилар. Улар Мўаблик аёлларга уйланиб, Байтлаҳм шаҳрига ўрнашиб олган эдилар*. Бу маълумотлар қадимги ёзувлардан олинган. 23 Шу наслга тегишли одамлар шоҳ саройида кулоллар сифатида хизмат қилиб, Натайим ва Гадера шаҳарларида яшашарди.

Шимўннинг насли

24 Шимўннинг Ямувол*, Ёмин, Ёрив, Зўхар* ва Шовул исмли ўғиллари бор эди.
25 Шовулнинг Шаллум деган ўғли, Мивсом деган набираси ва Мишмо деган чевараси бор эди.
26 Мишмонинг Хаммувол деган ўғли, Заккур исмли набираси ва Шимах деган чевараси бор эди.
27 Шимах ўн олти ўғил ва олти қиз кўрди. Лекин ака–укаларининг фарзандлари кам бўлгани учун Шимўн қабиласи, Яҳудо қабиласи каби, кўпаймади.
28 Шимўн насли Бершеба, Мўлодах, Хазор–Шувол, 29 Билхах, Эзам, Тўлад,
30 Батувал, Хўрмах, Зихлах, 31 Байт–Маркобот, Хазор–Сусум, Байт–Бирий ва Шарайим шаҳарларида истиқомат қилардилар. Довуд шоҳ бўлгунга қадар, мана шу шаҳарлар Шимўн наслига қарашли эди. 32 Улар яна Этом, Ойин, Риммон, Тўхан ва Ошон номли бешта шаҳарда ҳам истиқомат қилардилар. 33 Жануби–ғарбдаги Баалат* шаҳригача чўзилган бу шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги ҳамма қишлоқлар Шимўн наслига қарашли эди. Улар шу жойларда яшаб, ўз

насабномалари ҳақидаги маълумотларни ёзиб қўйган эдилар.

34-38 Қуйидагилар Шимўн наслининг уруғбошилари эди: Машував, Ямлах, Эмозиё ўғли Йўша, Йўэл ва Йўшйивиё ўғли Ёҳу. Ёҳу Сараёнинг невараси, Осиёлнинг эвараси эди. Элийўнай, Яқўво, Ёшухаё, Осоёҳ, Одил, Есимил, Бинаё ва Шифи ўғли Зизо ҳам Шимўн наслининг уруғбошилари эди. Зизо Элоннинг невараси, Ёдиёнинг эвараси, Шамаё ўғли Шимрининг чевараси эди.

Уларнинг уруғлари ниҳоятда кўпайгани учун, 39 улар қўй–эчкиларига яйлов ахтариб, водийнинг шарқий четида жойлашган Гадўр шаҳригача бордилар. 40 У ердаги кенг, тинч ва осойишта жойлар кўм–кўк яйловларга бой эканини кўрдилар. Бу ерлар азалдан Хом наслига қарашли эди.

41 Яҳудо шоҳи Ҳизқиё ҳукмронлик қилган даврда юқорида номлари рўйхат қилинган Шимўн насли Хом наслига ва улар орасида ўрнашиб олган Муним уруғига ҳужум қилдилар. Уларнинг ҳаммасини битта қолдирмай қириб ташладилар. У ерда қўйлар учун яйловлар кўп бўлгани учун уларнинг жойига ўзлари ўрнашиб олдилар. 42 Сўнг Шимўн наслидан беш юз киши Йишининг Пилатиё, Нариё, Рафиё ва Узиёл исмли тўрт ўғли бошчилигида Сеир тоғларига* бориб, 43 Омолек наслининг омон қолганларини қириб ташладилар. Шимўн насли бугунга қадар* ўша жойларда яшаб келяпти.

5–БОБ

Рубен насли

1 Рубен Ёқубнинг* тўнғич ўғли эди. Аммо у отасининг тўшагини булғагани учун*, тўнғичлик ҳуқуқи* Юсуфнинг ўғилларига берилган эди. Шу сабабдан Рубен насабномада тўнғич сифатида рўйхатда йўқ. 2 Рубеннинг укаси Яҳудо ака–укалари орасида энг кучлиси бўлиб, йўлбошчи унинг қабиласидан чиқди*. Лекин шунга қарамай, тўнғичлик ҳуқуқи Юсуфники бўлди. 3 Рубен тўрт ўғил кўрди. Уларнинг исмлари Ханўх, Паллув, Хазрон ва Карми эди.

4 Йўэлнинг насли қуйидагилардан иборат эди: Йўэлнинг ўғли — Шамаё, Шамаёнинг ўғли — Гўг, Гўгнинг ўғли — Шимах, 5 Шимахнинг ўғли — Михо, Михонинг ўғли — Раё, Раёнинг ўғли — Баал 6 ва Баалнинг ўғли — Берах. Оссурия шоҳи Тиғлатпиласар* Берахни асир қилиб, олиб кетган эди. Берах Рубен қабиласининг йўлбошчиси эди.

7 Рубен қабиласининг қуйидаги уруғбошилари ҳам насабнома рўйхатида қайд этилган: Явиёл, Закариё 8 ва Белах. Белах Азазнинг ўғли, Шеманинг невараси ва Йўэлнинг эвараси эди. Улар Арор шаҳрида ҳамда шимолдаги Наво ва Баал–Миёнга қадар чўзилган ерларда яшадилар. 9 Уларнинг Гилад ўлкасидаги подаси ҳаддан ташқари кўп бўлгани учун, улар шарқдаги саҳрогача бўлган ҳамма ерларни эгаллаб олган эдилар. Бу саҳро Фурот дарёсигача чўзилган эди.

10 Рубен насли шоҳ Шоул даврида Ҳожар уруғига қарши уруш очди. Уларни мағлуб қилиб, Гиладнинг шарқидаги ҳамма ерларини эгаллаб олди.

Гад насли

11 Гад қабиласи Башан ўлкасида, Рубен қабиласининг шимолида яшаган эди. Уларнинг ҳудуди Салко шаҳрига қадар чўзилганди. 12 Йўэл Башанда йўлбошчи эди, унинг ўнг қўл ёрдамчиси Шофом эди, Янай ва Шофот уруғбошилар эдилар.

13 Гад қабиласининг қолган аъзолари қуйидаги етти уруққа тегишли эди: Микойил, Машуллом, Шеба, Йўрай, Яқан, Зия ва Ибир. 14 Булар Абуҳайилнинг ўғиллари бўлиб, уларнинг еттинчи авлодигача бўлган аждодлари қуйидагилар эдилар: Хури, Ёрўвах, Гилад, Микойил, Яшишай, Яхду ва Буз. 15 Гўнонинг невараси,

Абдил ўғли Охи бу уруғларнинг йўлбошчиси эди.
16 Гад қабиласи Гиладда, Башанда ва ўша ердаги шаҳарларда ҳамда Шарондаги
бутун яйловларда истиқомат қиларди.
17 Бу маълумотларнинг ҳаммаси Яҳудо шоҳи Йўтом ва Исроил шоҳи Ёрубом
ҳукмронлиги даврида насабномага киритилганди.

Иордан шарқидаги қабилалар лашкари

18 Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласи ярмининг* 44.760 нафар жангга
тайёр, моҳир сипоҳлари бор эди. Бу сипоҳлар камонкашлар бўлиб, қилич ва
қалқон билан ҳам қуролланган эдилар. 19 Улар Ҳожар уруғига, Ятур, Нофиш ва
Надав қабилаларига ҳужум қилдилар. 20 Жанг пайтида бу сипоҳлар Худога илтижо
қилдилар. Улар Худога ишонганлари учун Худо илтижоларига жавоб бериб,
Ҳожар уруғини ва барча иттифоқчиларини уларнинг қўлига бериб, мағлуб қилди.
21 Улар душманнинг чорвасидан 50.000 та туя, 250.000 та қўй, 2000 та эшакни
ўлжа олдилар ва 100.000 одамни асир қилдилар. 22 Ғанимнинг кўпчилиги жангда
қирилиб кетганди, чунки Худонинг Ўзи уларга қарши жанг қилган эди. Рубен ва
Гад қабилалари ҳамда Манаше қабиласининг ярми сургунгача* ўша ерларда яшаб
қолдилар.

Иордан шарқидаги Манаше қабиласининг ярми

23 Манаше қабиласининг ярми Санир, яъни Хермон тоғидаги Баал–Хермонга
қадар чўзилган Башан ўлкасида жойлашиб, кўпайди. 24 Қабиланинг
уруғбошилари қуйидагилар эди: Ифар, Йиши, Элиёл, Озриёл, Еремиё, Хўдавиё ва
Яхдиёл. Улар баҳодир жангчилар бўлиб, ўз уруғларининг машҳур бошлиқлари
эдилар.

Иордан шарқидаги қабилалар сургун қилинади

25 Рубен ва Гад қабилалари ҳамда Манаше қабиласининг ярми
ота–боболарининг Худосига қарши гуноҳ қилдилар. Улар Худога бевафолик
қилиб, Худо қириб юборган ўша юртдаги халқларнинг худоларига сиғина
бошладилар. 26 Шунинг учун Исроил халқининг Худоси Оссурия шоҳи Пўлни, яъни
Тиғлатпиласарни юбориб, Рубен, Гад қабилаларини ва Манаше қабиласининг
ярмини мағлуб қилди. Шоҳ Тиғлатпиласар уларни асир олиб, Халах, Хавор ва Хара
ҳудудларига ҳамда Гозан дарёсининг бўйларига сургун қилди*. Улар бугунгача
ўша ерларда истиқомат қилиб келяптилар.

6–БОБ

Олий руҳонийлар хонадонининг шажараси

1 Левининг ўғиллари Гершон, Қоҳот ва Марори эди.
2 Қоҳотнинг ўғиллари Имром, Изхор, Хеврон ва Узиёл эди.
3 Имромнинг Ҳорун ва Мусо исмли икки ўғли ва Марям исмли бир қизи бор
эди.
Ҳоруннинг ўғиллари Надов, Абиҳу, Элазар ва Итамар эди.
4 Элазардан Финхаз туғилди, Финхаздан Абушува туғилди, 5 Абушувадан Букки
туғилди, Буккидан Уззи туғилди, 6 Уззидан Зарахиё туғилди, Зарахиёдан Маройўт
туғилди, 7 Маройўтдан Эмориё туғилди, Эмориёдан Охитоб туғилди, 8 Охитобдан
Зодўх туғилди, Зодўхдан Охимас туғилди, 9 Охимасдан Озариё туғилди, Озариёдан
Йўханон туғилди, 10 Йўханондан Озариё туғилди. Шоҳ Сулаймон Қуддусда қурган
Маъбадда* Озариё руҳоний бўлиб хизмат қилган эди. 11 Озариёдан Эмориё
туғилди, Эмориёдан Охитоб туғилди, 12 Охитобдан Зодўх туғилди, Зодўхдан

Шаллум туғилди, 13 Шаллумдан Хилқиё туғилди, Хилқиёдан Озариё туғилди,
14 Озариёдан Сараё туғилди, Сараёдан Ёҳузадах туғилди.
15 Эгамиз шоҳ Навухадназар орқали Яҳудо ва Қуддус халқини сургун
қилганда*, Ёҳузадах ҳам бадарға бўлган эди.

Левининг бошқа насли

16 Левининг ўғиллари Гершон, Қоҳот ва Марори эди.
17 Гершоннинг ўғиллари исми Лубнах ва Шимах эди.
18 Қоҳотнинг ўғиллари Имром, Изхор, Хеврон ва Узиёл эди.
19 Мароринининг ўғиллари Махли ва Муши эди.

Ота хонадонига кўра, рўйхатга олинган Леви уруғлари қуйидагилардан
иборат эди:

20 Гершон насли қуйидагилар эди: Гершондан Лубнах туғилди,
Лубнахдан Яхат туғилди, Яхатдан Зиммо туғилди, 21 Зиммодан Йўх
туғилди, Йўхдан Йиддо туғилди, Йиддодан Зерах туғилди, Зерахдан Ётарай
туғилди.
22 Қоҳотнинг насли қуйидагилар эди: Қоҳотдан Оминадав туғилди,
Оминадавдан Кўрах туғилди, Кўрахдан Асир туғилди, 23 Асирдан Элқана
туғилди, Элқанадан Абуасаф* туғилди, Абуасафдан Асир туғилди,
24 Асирдан Тахат туғилди, Тахатдан Уриёл туғилди, Уриёлдан Уззиё
туғилди, Уззиёдан Шовул туғилди.
25 Элқананинг Эмосай ва Охимўт деган икки ўғли бор эди. 26 Охимўтдан
Элқана туғилди, Элқанадан Зўфай туғилди, Зўфайдан Нахат туғилди,
27 Нахатдан Элиёб туғилди, Элиёбдан Ерохам туғилди, Ерохамдан Элқана
туғилди, Элқанадан Шомуил туғилди*.
28 Шомуилнинг икки ўғли бор эди, тўнғичининг исми Йўэл,
кенжасининг исми Абиё эди.
29 Мароринининг насли қуйидагилар эди: Мароридан Махли туғилди,
Махлидан Лубнах туғилди, Лубнахдан Шимах туғилди, Шимахдан Уззох
туғилди, 30 Уззохдан Шимо туғилди, Шимодан Хаггиё туғилди, Хаггиёдан
Осоёҳ туғилди.

Маъбад созандалари

31 Аҳд сандиғи Эгамизнинг уйига келгандан кейин, Довуд у ердаги хизматга
созандалар тайинлаганди. 32 Сулаймон Қуддусда Эгамизнинг уйини қургунга
қадар, улар Муқаддас чодирнинг олдида* қўшиқ айтиб хизмат қилишарди. Ўз
хизматларини берилган кўрсатмалар асосида адо этишарди. 33 У ерда хизмат
қилган одамлар қуйидаги уруғлардан эди:

Қўшиқчи Хаман Қоҳот уруғидан бўлиб, унинг насабномаси қуйидагича
эди: Хаман — Йўэлнинг ўғли, Йўэл — Шомуилнинг ўғли, 34 Шомуил —
Элқананинг ўғли, Элқана — Ерохамнинг ўғли, Ерохам — Элиёлнинг ўғли,
Элиёл — Тўвахнинг ўғли, 35 Тўвах — Зуфнинг ўғли, Зуф — Элқананинг ўғли,
Элқана — Махатнинг ўғли, Махат — Эмосайнинг ўғли, 36 Эмосай —
Элқананинг ўғли, Элқана — Йўэлнинг ўғли, Йўэл — Озариёнинг ўғли,
Озариё — Зафаниёнинг ўғли, 37 Зафаниё — Тахатнинг ўғли, Тахат —
Асирнинг ўғли, Асир — Абуасафнинг ўғли, Абуасаф — Кўрахнинг ўғли,
38 Кўрах — Изхорнинг ўғли, Изхор — Қоҳотнинг ўғли, Қоҳот — Левининг
ўғли, Леви — Ёқубнинг* ўғли.

39 Хаманнинг ўнг қўл ёрдамчиси Осиф исмли қариндоши эди. Осифнинг
насабномаси қуйидагича эди: Осиф — Бархиёнинг ўғли, Бархиё —
Шимонинг ўғли, 40 Шимо — Микойилнинг ўғли, Микойил — Босиёнинг
ўғли, Босиё — Малкиёнинг ўғли, 41 Малкиё — Итнонинг ўғли, Итно —
Зерахнинг ўғли, Зерах — Одаёнинг ўғли, 42 Одаё — Этханнинг ўғли, Этхан
— Зиммонинг ўғли, Зиммо — Шимахнинг ўғли, 43 Шимах — Яхатнинг ўғли,
Яхат — Гершоннинг ўғли, Гершон — Левининг ўғли.
44 Хаманнинг чап қўл ёрдамчиси Этхан исмли қариндоши эди. У Марори
уруғидан эди. Этханнинг насабномаси қуйидагича эди: Этхан — Хишининг
ўғли, Хиши — Абдининг ўғли, Абди — Маллухнинг ўғли, 45 Маллух —
Хашавиёнинг ўғли, Хашавиё — Эмозиёнинг ўғли, Эмозиё — Хилқиёнинг
ўғли, 46 Хилқиё — Омзининг ўғли, Омзи — Банихнинг ўғли, Баних —
Шамернинг ўғли, 47 Шамер — Махлининг ўғли, Махли — Мушининг ўғли,
Муши — Мароринининг ўғли, Марори — Левининг ўғли.

48 Худонинг уйидаги бошқа ҳамма хизматга Леви қабиласининг қолган
аъзолари тайинланган эдилар.

Ҳоруннинг насли

49 Фақат Ҳорун ва унинг насли қурбонгоҳда қурбонлик куйдириб, тутатқи
қурбонгоҳида хушбўй тутатқи тутатишлари мумкин эди. Улар Энг муқаддас
хонадаги барча хизматни адо этиб, Худонинг қули Мусо берган ҳамма
буйруқларга кўра, Исроил халқини гуноҳдан поклар эдилар.
50 Ҳоруннинг насли қуйидагилар эди: Ҳоруннинг ўғли — Элазар, Элазарнинг
ўғли — Финхаз, Финхазнинг ўғли — Абушува, 51 Абушуванинг ўғли — Букки,
Буккининг ўғли — Уззи, Уззининг ўғли — Зарахиё, 52 Зарахиёнинг ўғли —
Маройўт, Маройўтнинг ўғли — Эмориё, Эмориёнинг ўғли — Охитоб,
53 Охитобнинг ўғли — Зодўх, Зодўхнинг ўғли — Охимас.

Левилар яшаган шаҳарлар

54 Левиларга ажратилган шаҳарлардан Қоҳот уруғининг Ҳорун насли биринчи
бўлиб улуш олган эди. Уларга қуръа бўйича* берилган ҳудудга 55 Яҳудо юртидаги
Хеврон шаҳри ва унинг атрофидаги яйловлар кирган эди. 56 Аммо ўша шаҳарнинг
атрофидаги далалару қишлоқлар Яфунах ўғли Холибга берилди. 57 Ҳорун наслига
қуйидаги шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги яйловлар берилди: паноҳ шаҳар*
Хеврон, бундан ташқари, Либна, Ятир, Эштамўва, 58 Хўлун*, Давир, 59 Ойин*, Ютто*
ва Байт–Шамаш. 60 Бенямин қабиласининг ҳудудидан қуйидаги шаҳарлар ва
уларнинг атрофидаги яйловлар ҳам берилди: Гивон*, Гебо, Элимат ва Онотўт.
Қоҳот уруғининг Ҳорун наслига ҳаммаси бўлиб ўн учта шаҳар берилди. 61 Қоҳот
наслининг қолганларига эса Иорданнинг ғарб томонидаги Манаше қабиласига
қарашли ҳудуддан ўнта шаҳар қуръа бўйича тақсимлаб берилди.
62 Гершон уруғига, хонадонларига кўра, Иссахор, Ошер, Нафтали ва Башандаги
Манаше қабилаларининг ҳудудларидан ўн учта шаҳар қуръа бўйича берилди.
63 Марори уруғига, хонадонларига кўра, Рубен, Гад ва Забулун қабилаларининг
ҳудудларидан ўн иккита шаҳар қуръа бўйича берилди.
64 Шундай қилиб, Исроил халқи левиларга яшаш учун шаҳарларни ва ўша
шаҳарлар атрофидаги яйловларни ажратиб берди. 65 Юқорида номлари айтиб
ўтилган Яҳудо, Шимўн ва Бенямин қабилалари ҳудудларидан ажратилган
шаҳарлар ҳам қуръа бўйича тақсимланган эди.
66 Қоҳот уруғининг баъзи хонадонларига Эфрайим қабиласининг ҳудудидан
қуйидаги шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги яйловлар берилди: 67 Эфрайим

қирларидаги паноҳ шаҳар Шакам, Гезер, 68 Ёхмаём, Байт–Хўрон, 69 Ойжавлон ва Гат–Риммон. 70 Қоҳот уруғининг қолган хонадонларига эса Иорданнинг ғарб томонидаги Манаше қабиласининг ярмига қарашли икки шаҳар берилди: Онар ва Билом. Бу шаҳарларнинг атрофидаги яйловлар ҳам уларга берилди.

71 Гершон уруғига қуйидаги шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги яйловлар берилди:

Иорданнинг шарқ томонидаги Манаше қабиласининг ҳудудидан —
Аштарўт ва Башандаги Гўлон,
72 Иссахор қабиласининг ҳудудидан — Кедеш, Доварат, 73 Рамўт ва Онем,
74 Ошер қабиласининг ҳудудидан — Мошол, Абдўн, 75 Ҳуққоқ ва Рехоб,
76 Нафтали қабиласи ҳудудидан — Хаммон, Хиратайим ва Жалиладаги
Кедеш.

77 Марори уруғининг қолган хонадонларига қуйидаги шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги яйловлар берилди:

Забулун қабиласининг ҳудудидан — Ёхнаём, Картах*, Риммоно ва Товур,
78-79 Ерихо рўпарасидаги Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган
Рубен қабиласининг ҳудудидан — Яхаз*, Кадамўт, Мифат ва чўлдаги
Базер,
80 Гад қабиласининг ҳудудидан — Гиладдаги Рамўт, Моханайим, 81 Хашбон
ва Язир.

7–БОБ

Иссахор насли

1 Иссахорнинг Тўло, Пувах, Ёшув ва Шимрон деган тўртта ўғли бор эди.

2 Тўлонинг олтита ўғли бор эди: Уззи, Рафиё, Ёриёл, Яхмай, Йибсам ва Шомуил. Улар ўз хонадонларининг уруғбошилари эдилар. Шоҳ Довуд даврида Тўлонинг насабномасида 22.600 нафар жангчи қайд этилган эди.

3 Уззининг Йизрахиё деган ўғли бор эди. Йизрахиёнинг тўртта ўғли бўлиб, исмлари Микойил, Ободиё, Йўэл ва Ишшиё эди. Йизрахиё ва унинг ўғиллари уруғбошилар эди. 4 Уларнинг хотинлари ва болалари ниҳоятда кўп бўлгани учун насабномасига кўра, жанг қилишга қодир 36.000 одами бор эди.

5 Иссахор қабиласининг насабномасида ҳаммаси бўлиб 87.000 нафар жангчи қайд этилган эди.

Бенямин насли

6 Беняминнинг Белах, Бохир ва Ёдиёл деган уч ўғли бор эди.

7 Белахнинг Эзбўн, Уззи, Узиёл, Яримўт ва Ири деган бешта ўғли бор эди. Уларнинг бешови ҳам уруғбошилар бўлиб, насабномасида 22.034 нафар баҳодир жангчи қайд этилган эди.

8 Бохирнинг Зомиро, Йўш, Элиазар, Элийўнай, Омри, Ёримўт, Абиё, Онотўт ва Элимат деган ўғиллари бор эди. Буларнинг ҳаммаси Бохирнинг ўғиллари эди.
9 Уларнинг насабномасида уруғбошилардан ташқари 22.200 нафар жангчи қайд этилган эди.

10 Ёдиёлнинг Билхан деган битта ўғли, Билханнинг эса Ёуш, Бенямин, Эҳуд, Ханано, Затон, Таршиш ва Охишар деган етти ўғли бор эди. 11 Уларнинг ҳаммаси уруғбошилар бўлиб, насабномасига кўра, жанг қилишга тайёр 17.200 нафар одами

бор эди.
12 Шупим ва Хупим халқлари — Ирдан, Хушим халқи эса Охердан келиб
чиққанди.

Нафтали насли

13 Нафталининг Яхзиёл, Гўно, Изар ва Шиллем* деган тўртта ўғли бор эди.
Улар Билхахнинг* наслидан эди.

Манаше насли

14-15 Орамлик чўриси* Манашега Осриёл ва Мохир исмли икки ўғил туғиб
берди. Залофход Манашенинг авлодидан бўлиб, фақат қизлар кўрган эди. Мохир
Гиладнинг отаси эди, у Махо исмли бир қизга уйланганди. Махо Хупим ва
Шупимнинг синглиси эди. 16 Махо Мохирга икки ўғил туғиб берди. Уларнинг
исмини Параш ва Шараш қўйдилар. Параш Улом ва Раҳем исмли икки ўғил кўрди.
17 Уломнинг Бадон деган ўғли бор эди.

Манаше невараси Мохир ўғли Гиладнинг насли мана шулардан иборатдир.
18 Гиладнинг синглиси Хамалека Ишхўд, Абуазар ва Махло исмли учта ўғилни
туғди. 19 Шамидонинг Охиён, Шакам, Лихи ва Ониём деган ўғиллари бор эди.

Эфрайим насли

20 Эфрайимнинг Шуталах деган ўғли бор эди. Шуталахдан Барид туғилди,
Бариддан — Тахат, Тахатдан — Эладах, Эладахдан — Тахат, 21 Тахатдан — Забад,
Забаддан Шуталах туғилдилар.

Эфрайимнинг Шуталахдан ташқари яна Эйзар ва Элад исмли икки ўғли ҳам
бор эди. Улар Гат шаҳрининг туб аҳолисига қарашли чорвани ўғирламоқчи
бўлганларида, Гатликлар уларни ўлдирган эдилар. 22 Уларнинг отаси Эфрайим
кўп кунлар аза тутди. Қариндошлари унга тасалли бергани келдилар. 23 Эфрайим
хотини билан яна қовушган эди, хотини ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Эфрайим:
“Уйимда бахтсизлик юз берган эди”, деб ўғлининг исмини Бариё* қўйди.

24 Эфрайимнинг Шеро деган бир қизи бор эди. Шеро Тепадаги Байт–Хўрон ва
Пастдаги Байт–Хўрон шаҳарларини ҳамда Узан–Шеро шаҳрини қурди.

25 Эфрайимнинг Рефах исмли бир ўғли ҳам бор эди. Рефахдан Рашаф туғилди,
Рашафдан — Телах, Телахдан — Тахан, 26 Тахандан — Ладен, Ладендан — Омиҳуд,
Омиҳуддан — Элишама, 27 Элишамадан — Нун, Нундан Ёшуа туғилдилар.

28 Эфрайим насли жанубдаги Байтил шаҳри, шарқдаги Нарон шаҳри ва
ғарбдаги Гезер шаҳригача чўзилган ҳудудни қўлга киритиб, ўша ерга ўрнашиб
олган эди. Уларнинг ҳудудига ўша шаҳарлар атрофидаги барча қишлоқлар,
Шакам ва Оя шаҳарлари ҳамда уларнинг атрофидаги қишлоқлар кирган эди.

29 Манаше қабиласи Байт–Шан, Танах, Магидў ва Дўр шаҳарлари ва ўша
шаҳарлар атрофидаги қишлоқларда ўрнашиб олган эди.

Бу жойларда Ёқубнинг* ўғли Юсуф авлодлари яшаган эди.

Ошер насли

30 Ошернинг ўғиллари қуйидагилардир: Йимнах, Йишво, Йишви ва Бариё.
Ошернинг Серах исмли бир қизи ҳам бор эди.

31 Бариёнинг Хабер ва Малхиёл исмли икки ўғли бўлиб, Малхиёл Бирзайит
шаҳрини қурган эди.

32 Хабернинг Яфлет, Шўмер ва Хўтам исмли уч ўғли ва Шува исмли бир қизи
бор эди.

33 Яфлетнинг ўғиллари — Пўсах, Бимхал ва Ошвот.

34 Шўмернинг* ўғиллари — Охи, Рохгах, Хуббо ва Орам.

35 Шўмернинг укаси Хўтамнинг* ўғиллари — Зўфах, Йимно, Шалаш ва Амал.
36 Зўфахнинг ўғиллари — Сувах, Харнатар, Шувол, Бери, Йимра, 37 Базер, Хўд,
Шаммо, Шилшо, Йитрон ва Бера.
38 Этернинг ўғиллари — Яфунах, Фиспа ва Орро.
39 Уллонинг ўғиллари — Орах, Ханниёл ва Ризиё.
40 Ошер насли ана шулардан иборат бўлиб, улар уруғбошилар, машҳур баҳодир
жангчилар, обрўли йўлбошчилар эдилар. Ошер қабиласининг насабномасида
жанг қилишга қодир 26.000 киши қайд этилган эди.

8–БОБ

Яна Бенямин насли ҳақида

1 Беняминнинг бешта ўғли бор эди. Тўнғич ўғли — Белах, иккинчиси — Ошбол,
учинчиси — Ахрах, 2 тўртинчиси — Нўхах, бешинчиси Рафа эди.
3 Белахнинг ўғиллари қуйидагилардир: Адар, Гера, Абиҳуд, 4 Абушува, Нўъмон,
Охўва, 5 Гера, Шафуфон ва Хуром.
6-7 Эҳуднинг Нўъмон, Охиё ва Гера исмли ўғиллари бўлиб, улар Гебо шаҳри
аҳолисининг уруғбошилари эдилар. Гебо аҳолиси Монахатга қувиб юборилганда,
Гера халқни бошлаб кетган эди. Геранинг Уззо ва Охихуд исмли икки ўғли бор
эди.
8 Шахарайим иккала хотини Баро ва Хушимни қўйиб юборгандан кейин, Мўаб
юртида ўғиллар кўрган эди. 9 Ҳўдаш исмли янги хотини унга Йўвов, Зибиё, Мешо,
Малкам, 10 Юс, Саҳиё ва Мирмо деган етти ўғил туғиб берган эди. Шахарайимнинг
бу ҳамма ўғиллари уруғбошилар эдилар. 11 Шахарайимнинг яна Абутав ва Элфал
деган иккита ўғли ҳам бор эди. Шахарайим Мўабга кўчиб келмасдан олдин, бу
ўғилларни унга хотини Хушим туғиб берган эди.
12-13 Элфалнинг Ибир, Мишом, Шамад, Бариё ва Шема деган ўғиллари бор эди.
Шамад Онў ва Лўд шаҳарларини, шунингдек, буларнинг атрофидаги
қишлоқларни барпо қилган эди. Бариё билан Шема эса Ойжавлон шаҳри
аҳолисининг уруғбошилари бўлиб, Гат аҳолисини қувиб юборган эдилар.
14 Охё, Шошах, Ёримўт, 15 Забадиё, Арод, Эдер, 16 Микойил, Йишпо ва Йўхо
Бариёнинг ўғиллари эди.
17 Забадиё, Машуллом, Хизқи, Хабер, 18 Йишмарай, Йизлиё ва Йўвов Элфалнинг
ўғиллари эди.
19 Яхим, Зихри, Забди, 20 Элиенай, Зиллатай, Элиёл, 21 Одаё, Бароё ва Шимрот
Шимахнинг ўғиллари эди.
22 Йишпон, Ибир, Элиёл, 23 Абдўн, Зихри, Ханон, 24 Хананиё, Элам, Онтўтиё,
25 Йифдаё ва Панувал Шошахнинг ўғиллари эди.
26 Шамшарай, Шахариё, Оталиё, 27 Яршиё, Илёс ва Зихри Ерохамнинг ўғиллари
эди.
28 Уларнинг ҳаммаси ўз наслининг уруғбошилари бўлиб, исмлари ўз насли
насабномасида қайд этилган эди. Улар Қуддусда яшадилар.
29 Явиёл* Гивон шаҳрига асос солиб, ўша шаҳарда ўрнашди*. Хотинининг исми
— Махо, 30 тўнғич ўғлининг исми — Абдўн, кейингиларники Зур, Киш, Баал,
Нар*, Надов, 31 Гадўр, Охё, Закариё* 32 ва Михлўт эди. Михлўт Шимомнинг* отаси
эди. Улар Қуддусда ўз уруғлари билан ёнма–ён яшарди.

Шоҳ Шоулнинг насли

33 Нар — Кишнинг отаси, Киш шоҳ Шоулнинг отаси эди. Шоулнинг тўртта ўғли
бўлиб, исмлари Йўнатан, Малкишува, Абунадав ва Ишбосит* эди.

34 Йўнатандан Мефибосит* туғилди, Мефибоситдан Михо туғилди.
35 Михонинг Питўн, Малек, Тария ва Охоз деган ўғиллари бор эди.
36 Охоздан Ёҳуваддо туғилди, Ёҳуваддодан Элимат, Озмобит ва Зимри
туғилдилар. Зимридан Мўзо туғилди, 37 Мўзодан Бина туғилди, Бинадан Рафиё*
туғилди, Рафиёдан Эласах туғилди, Эласахдан Озиёл туғилди.
38 Озиёлнинг олтита ўғли бўлиб, уларнинг исмлари Озриком, Бохару, Исмоил,
Шариё, Ободиё ва Ханон эди. Буларнинг ҳаммаси Озиёлнинг ўғиллари эди.
39 Озиёлнинг укаси Эшехнинг учта ўғли бўлиб, тўнғичи — Улом, иккинчиси —
Ёуш, учинчиси Элифалет эди. 40 Уломнинг ўғиллари баҳодир жангчи ва
камонкашлар эдилар. Уларнинг кўп ўғиллари ва набиралари бор эди, ҳаммаси
бўлиб 150 нафар эди.
Бенямин қабиласи мана шулардан иборат эди.

9–БОБ

1 Шундай қилиб, бутун Исроил халқи насабномада қайд этилиб, ушбу
маълумотларнинг ҳаммаси “Исроил шоҳлари китоби”га киритилган.

Сургундан Қуддусга қайтиб келган халқ

Яҳудо халқи Эгамизга хиёнат қилгани учун Бобилга сургун қилинган эди.
2 Сургундан биринчи бўлиб оддий халқ ўз шаҳарларидаги мулкларига қайтиб
келди. Улар билан бирга баъзи руҳонийлар, левилар ва Маъбад хизматкорлари
ҳам қайтишганди. 3 Яҳудо, Бенямин, Эфрайим ва Манаше қабиласидан бўлганлар
Қуддусга бориб ўрнашдилар. Қайтиб келганлар орасида қуйидагилар бор эди:

Яҳудо қабиласидан қайтиб келганлари

4 Яҳудо ўғли Параз наслидан бўлган Утай. У Омиҳуднинг ўғли, Омрининг
набираси, Имрининг эвараси ва Банихнинг чевараси эди.
5 Шело наслидан — Шелонинг тўнғич ўғли Осоёҳ ва унинг ўғиллари,
6 Зерах наслидан — Ёвал.
Ҳаммаси бўлиб Яҳудо қабиласидан Қуддусга қайтиб келганлар 690
кишини ташкил қилар эди.

Бенямин қабиласидан қайтиб келганлари

7 Бенямин қабиласидан қуйидагилар Қуддусга қайтиб келган эдилар:
Машуллом ўғли Саллу. У Хўдавиёнинг невараси ва Хассинуванинг эвараси
эди. 8 Яна Ерохам ўғли Йибнаё ва Уззи ўғли Элох қайтиб келган. Элох
Михрининг невараси эди. Шафатиё ўғли Машуллом ҳам қайтиб келган. У
Рувелнинг невараси ва Йибниёнинг эвараси эди.
9 Насабномага киритилган Бенямин насли 956 кишини ташкил қилган
эди. Юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳаммаси уруғбошилар эди.

Руҳонийлардан қайтиб келганлари

10 Қуйидаги руҳонийлар Қуддусга қайтиб келган эдилар: Ёдаё, Ёҳайирив
ва Ёхин. 11 Яна Худо уйининг бош амалдори Озариё қайтиб келган эди. У
Хилқиёнинг ўғли, Машулломнинг невараси, Зодўхнинг эвараси ва Охитоб
ўғли Маройўтнинг чевараси эди. 12 Ерохам ўғли Одаё ҳам қайтиб келганди.
У Пешхурнинг невараси ва Малкиёнинг эвараси эди. Одил ўғли Масай ҳам
қайтиб келганди. У Яхзиронинг невараси, Машулломнинг эвараси ва
Иммар ўғли Машилламатнинг чевараси эди.
13 Ҳаммаси бўлиб 1760 нафар руҳоний қайтиб келган эди. Улар
уруғбошилар бўлиб, Худонинг уйида хизмат қилиш учун лаёқатли эдилар.

Левилардан қайтиб келганлари

14 Қуйидаги левилар Қуддусга қайтиб келган эдилар: Хашшуб ўғли
Шамаё. У Марори уруғидан бўлиб, Озрикомнинг невараси, Хашавиёнинг
эвараси эди. 15 Яна Боғбақар, Хареш, Галол ва Маттаниё қайтиб келганди.
Маттаниё Миханинг ўғли, Зихрининг невараси ва Осифнинг эвараси эди.
16 Шамаё ўғли Ободиё ҳам қайтиб келганди. У Галолнинг невараси ва
Ёдутуннинг эвараси эди. Осо ўғли Бархиё ҳам қайтиб келганди. У
Элқананинг набираси бўлиб, Натуфо шаҳрининг қишлоқларида яшаган
эди.

Маъбад дарвозабонларидан қайтиб келганлари

17-18 Леви қабиласидан бўлган, Қуддусга қайтиб келган Маъбад
дарвозабонлари қуйидагилар эди: Шаллум, Оққув, Талмўн, Охиман ва
уларнинг қариндош–уруғлари. Шаллум уларнинг бошлиғи эди. У
бугунгача* шарқ томондаги Шоҳ дарвозасида соқчилик қилиб келмоқда.
19 Абуасафнинг* набираси Кори ўғли Шаллумга ва унинг Кўрах уруғидан
бўлган қариндошларига Маъбад* дарвозасида соқчилик қилиш вазифаси
топширилган эди. Уларнинг ота–боболари ҳам илгарилари Эгамизнинг
Муқаддас чодири киришида соқчилик хизматида бўлганлар. 20 Элазар ўғли
Финхаз* уларнинг устидан бошлиқ эди. Эгамиз у билан бирга эди.
21 Машалмиё ўғли Закариё ҳам Маъбаднинг* дарвозасида соқчилик
қиладиган бўлди.

22 Дарвозани қўриқлаш учун ҳаммаси бўлиб 212 дарвозабон танлаб олинди.
Улар ўз қишлоқларида насабномалари бўйича рўйхатга олиндилар. Ўз вақтида
уларнинг ота–боболарини дарвозабонлик вазифасига шоҳ Довуд билан Шомуил
пайғамбар тайинлаган эдилар. 23 Бу дарвозабонлар ва уларнинг авлодлари
Эгамизнинг уйи дарвозаларида соқчилик қилишарди.
24 Дарвозабонлар Маъбаднинг шарқ, ғарб, шимол ва жануб томонидаги
дарвозаларини қўриқлар эдилар. 25 Уларнинг қишлоқларидаги қариндошлари
аниқ белгиланган бир вақтда келиб, улар билан бирга етти кун давомида хизмат
қилишга мажбур эдилар. 26 Тўрт нафар бош дарвозабон Леви қабиласидан эди.
Улар Худонинг уйидаги омборхона ва хазиналар учун масъул эдилар. 27 Худонинг
уйини қўриқлаш ва эрталаблари дарвозаларни очиш уларнинг зиммасида
бўлгани учун, улар тунни Худонинг уйи ёнида ўтказар эдилар.
28 Маъбад хизматида фойдаланиладиган асбоб–анжомлар учун баъзи левилар
масъул эдилар. Уларнинг вазифаси асбоб–анжомларни ишлатишдан олдин ва
ишлатилгандан кейин санаш эди. 29 Баъзи левилар эса жиҳозларга, Муқаддас
хонадаги бошқа буюмларга, сифатли унга, шаробга, зайтун мойига, тутатқига ва
зираворларга масъул эдилар. 30 Бироқ зираворларнинг аралашмасини фақат
руҳонийлар тайёрлай олар эдилар. 31 Левилардан бири — Кўрах наслидан бўлган
Шаллумнинг тўнғич ўғли Маттитиё назр нонларини* пиширишга тайинланган
эди. 32 Унинг Қоҳот наслидан бўлган баъзи биродарлари эса Шаббат куни
хонтахтага қўйиладиган муқаддас нонларни* тайёрлашга масъул эдилар.
33 Левиларнинг қўшиқчилари Маъбаддаги хоналарда яшар эдилар. Улар
уруғбошилар бўлиб, кечаю кундуз хизматда бўлганлари учун бошқа барча
вазифалардан озод қилинган эдилар. 34 Юқорида номлари айтиб ўтилган левилар
уруғбошилар бўлиб, насабнома рўйхатига бошлиқлар сифатида киритилган
эдилар. Улар Қуддусда яшардилар.

Шоҳ Шоулнинг насл–насаби

35 Явиёл Гивон шаҳрига асос солиб, ўша шаҳарда ўрнашди*. Хотинининг исми
— Махо, 36 тўнғич ўғлининг исми — Абдўн, кейингиларники Зур, Киш, Баал, Нар,
Надов, 37 Гадўр, Охё, Закариё ва Михлўт эди. 38 Михлўт Шимомнинг отаси эди. Улар
Қуддусда ўз уруғлари билан ёнма–ён яшарди.
39 Нар — Кишнинг отаси, Киш шоҳ Шоулнинг отаси эди. Шоулнинг тўртта ўғли
бўлиб, исмлари Йўнатан, Малкишува, Абунадав ва Ишбосит* эди.
40 Йўнатандан Мефибосит* туғилди, Мефибоситдан Михо туғилди.
41 Михонинг Питўн, Малек, Тария ва Охоз* деган ўғиллари бор эди.
42 Охоздан Ёҳуваддо* туғилди, Ёҳуваддодан Элимат, Озмобит ва Зимри
туғилдилар. Зимридан Мўзо туғилди, 43 Мўзодан Бина туғилди, Бинадан Рафиё
туғилди, Рафиёдан Эласах туғилди, Эласахдан Озиёл туғилди.
44 Озиёлнинг олтита ўғли бўлиб, уларнинг исмлари Озриком, Бохару, Исмоил,
Шариё, Ободиё ва Ханон эди. Озиёлнинг ўғиллари ана шулар эдилар.

10–БОБ

Шоҳ Шоулнинг ўлими

1 Филистлар Исроил лашкари билан жанг қилди. Исроил лашкари
Филистларнинг олдига тушиб қочди, кўплари Гилбова тоғида* ҳалок бўлди.
2 Филистлар Шоул билан унинг ўғиллари ортидан тушдилар. Натижада Шоулнинг
ўғиллари Йўнатан, Абунадав ва Малкишува ўлдирилди. 3 Шоулнинг атрофида
жанг тобора авжига чиқди. Шу пайт Филист камонкашлари Шоулга қарата ўқ
отдилар. Шоул яраланди. 4 У қуролбардорига:
— Қиличингни суғургин–да, менга санч, токи анави суннатсизлар келиб, мени
хўрламасинлар, — деди.
Лекин қуролбардори қўрқди, Шоулнинг айтганини қилмади. Шунда Шоул
қиличини қинидан суғуриб, ўзини қилич устига ташлади. 5 Қуролбардори ҳам
Шоулнинг ҳалок бўлганини кўриб, ўзини қиличи устига ташлаб, ўлди. 6 Шундай
қилиб, Шоул, унинг учала ўғли ва бутун хонадони бир кунда ҳалок бўлишди.
7 Йизрил водийсида* яшайдиган Исроил халқи ўз сипоҳларининг қочганини,
Шоул билан ўғиллари ўлганини кўришди–ю, шаҳарларини ташлаб қочишди.
Филистлар бу шаҳарларга келиб ўрнашиб олишди.
8 Эртаси куни Филистлар ҳалок бўлганларни талон–тарож қилгани жанг
майдонига келишди. Бирдан улар Гилбова тоғида Шоул билан унинг
ўғилларининг жасадлари ётганини кўриб қолишди. 9 Улар Шоулнинг
кийимларини ечишди, бошини кесиб, қуролларини олишди. Филист юрти бўйлаб
хабарчилар жўнатиб, бу хушхабарни ўз бутхоналарида эълон қилиб, халққа
эшиттиришди. 10 Шоулнинг қурол–аслаҳасини ўз худолари уйига қўйишди,
бошини эса худо Дўғон* уйининг деворига қоқиб қўйишди. 11 Гиладдаги Ёбош*
аҳолиси Филистларнинг Шоулни нималар қилганини эшитишди. 12 Шунда ҳамма
жасур йигитлар Шоул билан ўғилларининг жасадларини олиб, Ёбош шаҳрига
келтиришди. Суякларини Ёбошдаги эман дарахти тагига дафн қилгач, етти кун
рўза тутишди*.
13 Шундай қилиб, Шоул Эгамизга қилган садоқатсизлиги учун ҳалок бўлган
эди. У Эгамизнинг сўзига итоат этмади. Бунинг устига, арвоҳ чақирувчига
маслаҳат солган эди*. 14 Эгамизнинг хоҳиш–иродасини эса сўрамади. Шунинг учун
Эгамиз уни ўлдириб, шоҳликни Эссай ўғли Довудга берди.

11–БОБ

Довуд Исроил шоҳи бўлади

1 Жамики Исроил халқи Хевронга* — Довуднинг ҳузурига йиғилиб шундай
деди:
— Биз сизнинг жигарингизмиз. 2 Илгари Шоул шоҳ бўлганда ҳам, урушларда
Исроил лашкарига ўзингиз бош бўлар эдингиз. Эгангиз Худо сизга: “Сен халқим
Исроилнинг чўпони бўлиб, уларни боқасан, халқим Исроилга сен раҳнамолик
қиласан”, деб айтган эди.
3 Шундай қилиб, Довуд Хевронда Исроил оқсоқоллари билан Эгамиз олдида
аҳд қилди. Исроил оқсоқоллари, Эгамизнинг Шомуил орқали берган сўзига
мувофиқ, Довуднинг бошига мой суртиб, уни Исроил устидан шоҳ қилиб
кўтаришди.

Довуд Қуддусни босиб олади

4 Шоҳ Довуд билан ҳамма Исроил сипоҳлари Қуддусга юриш қилдилар. Ўша
даврда Қуддус шаҳри Ёбус деб аталган бўлиб, у ернинг ўтроқ халқи Ёбус халқи
деб аталар эди. 5 Ёбус аҳолиси Довудга: “Сен бу ерга кира олмайсан”, деди. Аммо
Довуд Сион қалъасига* бостириб кириб, қалъани эгаллади. Кейинчалик бу
қалъага “Довуд қалъаси” деб ном берилди. 6 Довуд: “Кимки Ёбусларга биринчи
бўлиб ҳужум қилса, у лашкарбоши бўлади”, деб айтган эди. Зеруя ўғли Йўаб
биринчи бўлиб ҳужум қилди ва лашкарбоши бўлди. 7 Довуд қалъада яшай
бошлади. Шунинг учун бу жой “Довуд қалъаси” деб ном олди. 8 Довуд Қуддуснинг
шарқ томонидаги Миллодан* бошлаб, бутун шаҳар атрофини девор билан ўраб
мустаҳкамлади. Йўаб эса шаҳарнинг қолган жойларини тузатди. 9 Довуд тобора
кучайиб борарди, чунки Сарвари Олам унга ёр эди.

Довуднинг “Уч қаҳрамон” ва “Ўттиз қаҳрамон” деган гуруҳларидаги баҳодир жангчилар

10 Қуйида шоҳ Довуднинг баҳодир жангчилари рўйхати берилган. Улар қолган
Исроил халқи билан биргаликда Эгамизнинг ваъдасига мувофиқ, Довудни шоҳ
деб эълон қилганлар ҳамда унинг шоҳлиги учун кучли таянч бўлганлар.
11 Довудга хизмат қилган баҳодир жангчилар қуйидагилар: биринчиси —
Хахмўн уруғидан Ёшувам. У “Уч* қаҳрамон”нинг* сардори эди. У найзаси билан уч
юз кишига ҳужум қилиб, ҳаммасини бир жангда ўлдирган эди.
12 “Уч қаҳрамон”дан иккинчиси Охўва уруғидан Дўдў ўғли Элазар эди.
13 Филистлар жанг қилиш учун Пас–Даммимда тўпланганда, Элазар Довуд билан
бирга эди. У ердаги даланинг бир қисмига арпа экилган эди. Исроил лашкари
қоча бошлагач, 14 Элазар билан Довуд даланинг ўртасида туриб олиб, у ерни
ҳимоя қилишди. Филистларни қириб ташлашди. Шу тариқа, Эгамиз уларни катта
ғалабага эриштирди.
15 “Ўттиз қаҳрамон”* гуруҳи таркибига кирган ўша учта қаҳрамон* Довуднинг
ёнига — Адуллам ғори олдидаги қояга кетишди*. Рафа водийсида* Филистлар
лашкари қароргоҳ қурган эди. 16 Бу пайтда Довуд ўзининг адирдаги қароргоҳида
эди. Битта Филист қўнолғаси эса Байтлаҳмда жойлашган эди. 17 Довуд ҳасрат
билан:
— Қанийди бирортаси Байтлаҳм дарвозасининг ёнидаги қудуқдан менга сув
олиб келиб берса! — деди. 18 Ўша учта қаҳрамон Филистлар қароргоҳини ёриб
ўтишди–да, Байтлаҳмдаги дарвозанинг ёнидаги қудуқдан сув тортиб, Довудга
олиб келишди. Лекин Довуд сувни ичмай, ерга тўкиб, Эгамизга бағишлади.

19 — Бундай қилишдан мени Худойимнинг Ўзи асрасин! — деб хитоб қилди у.
— Шу йигитларнинг қонини ичаймми? Ахир, улар жонини хавф–хатарга қўйиб, сув
олиб келишди–ку!
Шунинг учун ҳам Довуд сувни ичишни истамади. “Уч қаҳрамон” ана шундай
жасурлик кўрсатишган эди.
20 Йўабнинг акаси Абушай “Ўттиз* қаҳрамон”нинг сардори эди. Абушай
найзаси билан уч юз кишини ўлдирди. Шу тариқа у “Уч қаҳрамон” сингари донг
таратди. 21 У “Ўттиз қаҳрамон”дан ҳам машҳур эди, уларнинг йўлбошчиси бўлди.
Лекин “Уч қаҳрамон”дан бири ҳисобланмасди.
22 Кабзил шаҳридан Ёҳайидо ўғли Бинаё деган жасур бир жангчи бор эди. У
ажойиб ишлар қилди, Мўаблик икки довюрак одамни* ўлдирди. Қор ёққан кунда
бир хандаққа тушиб, шерни ўлдирди. 23 Яна бўйи беш тирсак* келадиган девдай
бир Мисрликни ҳам ўлдирди. Мисрликнинг қўлидаги найзаси тўқувчининг
дастгоҳи ходасидай келарди. Бинаё унинг устига таёқ билан бостириб борди.
Найзани Мисрликнинг қўлидан тортиб олди–да, ўша найза билан уни ўлдирди.
24 Бинаёнинг қилган ишлари ана шулардир. Шу тариқа, Бинаё “Уч қаҳрамон” каби
донг таратди. 25 У “Ўттиз қаҳрамон” орасида шуҳрат топди, лекин “Уч
қаҳрамон”дан бири ҳисобланмасди. Довуд уни қўриқчилар сардори қилиб
тайинлади.
26 Бошқа баҳодир жангчилар қуйидагилардир:

Йўабнинг укаси Осойил,
Байтлаҳм шаҳридан Дўдў ўғли Элханон,
27 Харўд шаҳридан Шаммох*,
Палонлик Халез,
28 Тахува шаҳридан Ихеш ўғли Эро,
Онотўт шаҳридан Абуазар,
29 Хуша шаҳридан Сибахай,
Охўва уруғидан Залмон*,
30 Натуфо шаҳридан Махрай ва Банах ўғли Халед,
31 Бенямин наслидан Гиволик Рибай ўғли Этхай,
Пиратон шаҳридан Бинаё,
32 Гаш сойликларидан Хурай,
Байт–Араба шаҳридан Абуалвон*,
33 Бохурим* шаҳридан Озмобит,
Шалбим шаҳридан Элияхба,
34 Гизонлик Ёшон* ўғиллари,
Харор шаҳридан Шахей ўғли Йўнатан,
35 Харорлик Шорор* ўғли Охиём,
Ур ўғли Элифал,
36 Махиротлик Хафер,
Палонлик Охиё,
37 Кармил шаҳридан Хазро,
Эзбай ўғли Парай*,
38 Натаннинг укаси Йўэл,
Хагри ўғли Мивхор,
39 Оммон халқидан Зилах,
Барўт шаҳридан Зеруя ўғли Йўабнинг қуролбардори Нахрай,
40 Йитар уруғидан Эро ва Горив,

41 Хет халқидан Уриё,
Охлай ўғли Забад,
42 Рубен қабиласининг йўлбошчиси Шизо ўғли Адинах ва унинг ўттиз
жангчиси,
43 Махо ўғли Ханон,
Митанлик Ёшафат,
44 Аштарутлик Уззия,
Арорлик Хўтамнинг ўғиллари Шомо ва Явиёл,
45 Шимри ўғли Ёдиёл ва унинг укаси Тизлик Йўхо,
46 Махавлик Элиёл,
Элнамнинг ўғиллари Яривай ва Йўшавиё,
Мўаб юртидан Йитмо,
47 Элиёл, Обид ва Зўволик Ясиёл.

12–БОБ

Довуднинг Бенямин қабиласидан илк издошлари

1 Бирмунча вақт олдин* Довуд шоҳ Шоулдан қочиб, Зихлах шаҳрида яшаб
юрган пайтда* баъзи баҳодир жангчилар унга қўшилган эдилар. Урушларда
Довуд томонида жанг қилган бу жангчилар 2 Бенямин қабиласидан, Шоулнинг
қариндош–уруғларидан эдилар. Улар моҳир камонкашлар бўлиб, ҳам ўнг, ҳам чап
қўли билан ўқ ва тошларни отар эдилар. 3 Уларнинг бош сардори Гиволик
Шамонинг ўғли Охазар эди. Охазарнинг ўнг қўл ёрдамчиси укаси Йўш эди.
Қуйидагилар эса жангчилар эди:

Озмобитнинг ўғиллари — Йизиёл ва Палат,
Барака ва Онотўтлик Ёҳу,
4 “Ўттиз қаҳрамоннинг” сардори ва моҳир жангчиси — Гивонлик Йишмаё,
Еремиё, Яхазиёл, Йўханон, Гадералик Йўзабад,
5 Элузай, Яримўт, Болиё, Шамариё ва Харуфлик Шафатиё,
6 Кўрах наслидан — Элқана, Ишшиё, Озариёл, Йўазар ва Ёшувам,
7 Гадўрлик Ерохамнинг ўғиллари — Йўлах ва Забадиё.

Довуднинг Гад қабиласидан издошлари

8 Гад қабиласидан баъзилари Довудга қўшилмоқчи бўлиб, адирлардаги пана
жойларга бордилар. Улар тажрибали баҳодир жангчилар бўлиб, қалқон ва
найзани усталик билан ишлатардилар. Шердай жасур, тоғ кийикларидай чаққон
эдилар.
9 Эйзар уларнинг бош сардори бўлиб, иккинчиси — Ободиё, учинчиси —
Элиёб, 10 тўртинчиси — Мишманах, бешинчиси — Еремиё, 11 олтинчиси — Аттай,
еттинчиси — Элиёл, 12 саккизинчиси — Йўханон, тўққизинчиси — Элзабад,
13 ўнинчиси — Еремиё, ўн биринчиси Махбанай эди.
14 Гад қабиласидан бўлган бу жангчилар сардорлар бўлиб, орасидаги энг
заифи юз кишига, энг кучлиси эса минг кишига бас кела олар эди. 15 Улар Иордан
дарёсининг тошқин мавсумида — йилнинг биринчи ойида дарёдан кечиб ўтиб,
шарқий ва ғарбий қирғоқлардаги водийларда яшайдиган халқни қувиб чиқарган
эдилар.

Довуднинг Бенямин ва Яҳудо қабиласидан издошлари

16 Бир куни Бенямин ва Яҳудо қабиласидан баъзилар адирлардаги пана
жойларга, Довуднинг ёнига келдилар. 17 Довуд уларни кутиб олгани чиқиб, уларга

деди: “Агар бу ерга тинчлик билан, менга ёрдам бергани келган бўлсангизлар, қаторимизга марҳамат қилинглар. Борди–ю, мени душманларим қўлига топширмоқчи бўлиб келган бўлсангизлар, ота–боболаримизнинг Худоси буни кўриб жазоингизни берсин. Мен сизларга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ.”
18 Шунда “Ўттиз қаҳрамон”нинг сардори Эмосайни Худонинг Руҳи қамраб олди
ва Эмосай гапира бошлади:

“Биз сизникимиз, эй Довуд!
Сиз томондамиз, эй Эссай ўғли!
Омон бўлинг, илойим омон бўлинг!
Сизга ёрдам берганлар ҳам омон бўлсин!
Сизни қўллаган Худойингизнинг Ўзидир.”

Довуд уларни жангчилари қаторига қўшиб, лашкарининг сардорлари қилиб тайинлади.

Довуднинг Манаше қабиласидан издошлари

19 Довуд Филистларга қўшилиб, Шоулга қарши урушга отланганда*, Манаше
қабиласидан баъзилари Довуд томонга ўтиб олган эдилар. Бироқ натижада Довуд
Филистлар томонида жанг қила олмаган эди, чунки Филист беклари
маслаҳатлашиб: “Агар Довуд ўз хўжайини Шоул томонга ўтиб олса, бошимиз
кетади”, деб уни орқага қайтариб юборган эдилар. 20 Довуд Зихлахга қайтиб
кетаётганда, унинг томонига Манаше қабиласидан қуйидагилар ўтиб олган
эдилар: Аднах, Йўзабад, Ёдиёл, Микойил, Йўзабад, Элиху, Зиллатай. Улар Манаше
қабиласининг мингбошилари ҳамда 21 баҳодир жангчилари бўлганлари учун
Довуд уларни ўз лашкари устидан лашкарбошилар қилиб тайинлади. Улар
босқинчи тўдаларни йўқ қилишда Довудга ёрдам берган эдилар. 22 Кундан–кунга
Довудга қўшилган одамларнинг сони кўпайиб борар эди. Натижада Худонинг
лашкари сингари буюк бир лашкар ҳосил бўлди.

Довуд лашкарининг рўйхати

23 Довуд Хевронда* турган пайтда кўп моҳир жангчилар келиб, унинг лашкари
қаторига қўшилган эдилар. Эгамизнинг сўзига биноан, Шоулнинг ўрнига
Довудни тахтга ўтқизмоқчи бўлган ўша жангчиларнинг сони қуйидагича эди:

24 Яҳудо қабиласидан қалқон ва найза билан қуролланган 6800 киши.
25 Шимўн қабиласидан — 7100 нафар баҳодир жангчи.
26 Леви қабиласидан — 4600 киши. 27 Буларнинг қаторига Ҳорун
хонадонининг йўлбошчиси Ёҳайидо ва унинг 3700 одами, 28 ёш жангчи
Зодўх ва унинг уруғидан 22 нафар сардор ҳам кирган эди.
29 Бенямин қабиласидан — Шоулга қариндош бўлган 3000 киши. Бенямин
қабиласининг кўпчилиги шу пайтгача Шоул хонадонига садоқатини
сақлаб келган эди.
30 Эфрайим қабиласидан — ўз уруғида донг таратган 20.800 баҳодир
жангчи.
31 Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Манаше қабиласининг ярмидан —
18.000 киши. Улар махсус танлаб олинган бўлиб, Довудни шоҳ қилиш
мақсади билан Хевронга келган эдилар.
32 Иссахор қабиласидан — 200 нафар лашкарбоши ва уларнинг қўл
остидаги одамлари. Бу лашкарбошилар Исроил халқининг нима
қилишини ва қачон қилишини яхши билишар эди.

33 Забулун қабиласидан — 50.000 моҳир жангчи. Улар Довудга чексиз
садоқати билан хизмат қилиш учун тиш–тирноғигача қуролланиб,
жангга тайёр бўлиб келган эдилар.
34 Нафтали қабиласидан — 1000 нафар сардор ҳамда қалқон ва найза билан
қуролланган 37.000 киши.
35 Дан қабиласидан — жангга тайёр 28.600 киши.
36 Ошер қабиласидан — жангга тайёр 40.000 моҳир жангчи.
37 Иордан дарёсининг шарқ томонидаги Рубен, Гад қабилаларидан ва
Манаше қабиласининг ярмидан — 120.000 киши. Улар барча жанг
аслаҳалари билан қуролланган эдилар.

38 Бу жангчиларнинг ҳаммаси жанговар ҳолатда бўлиб, Довудни бутун Исроил
устидан шоҳ қилиш мақсадида Хевронга келган эдилар. Исроилнинг қолган халқи
ҳам Довудни шоҳ қилиш мақсадига қўшилган эди. 39 Жангчилар Довуднинг
ҳузурида уч кун қолиб, қариндошлари тайёрлаган таомлардан еб, ичимликлардан
ичиб, зиёфат қилишди. 40 Шимолдаги Иссахор, Забулун ва Нафтали
қабилаларининг олис ҳудудларидан ҳам одамлар келишган эди. Улар эшак, туя,
хачир, ҳўкизларга бир талай ун, анжир қоқи, майиз*, шароб, зайтун мойи каби
егуликлар ортиб, олиб келишган эди. Булардан ташқари, кўплаб мол ва қўйларни
етаклаб келишганди. Ҳа, бутун Исроилда хурсандчилик ҳукмрон эди.

13–БОБ

Аҳд сандиғи Хират–Йўримдан келтирилади

1 Довуд ҳар бир лашкарбошиси — мингбоши ва юзбошилари билан
маслаҳатлашди. 2-3 Сўнг бутун Исроил жамоасига деди: “Шоҳ Шоул даврида биз
Худойимизнинг Аҳд сандиғига эътиборсиз бўлиб келдик*. Келинглар, Аҳд
сандиғини қайтариб олиб келайлик. Бутун Исроил бўйлаб хабар жўнатиб
юртдаги жамики қариндош–уруғларимизни шу ерга йиғайлик, ўз шаҳарларида
яшайдиган руҳонийлару левилар ҳам олдимизга йиғилиб келишсин. Агар сиз
бунга рози бўлсангиз ва бу Эгамиз Худонинг иродаси бўлса, шуни қилайлик.”
4 Бутун жамоага бу таклиф маъқул тушиб, ҳамма таклифга рози бўлди.

5 Шундай қилиб, Довуд Худонинг Сандиғини Хират–Йўримдан* Қуддусга олиб
келиш учун бутун юртдаги — Мисрдаги Шихор дарёсидан тортиб, то шимолдаги
Лево–Хомат шаҳрига* қадар бўлган жойлардаги жамики Исроил халқини
тўплади. 6 Улар биргаликда Худонинг Аҳд сандиғини олиб келиш учун Яҳудодаги
Баалах, яъни Хират–Йўрим шаҳрига йўл олишди. Аҳд сандиғи икки каруб*
орасида тахт қурган Эгамизнинг номи билан аталган эди. 7 Худонинг Сандиғи
Абунадавнинг уйида эди. Сандиқ янги арава устига ортилгач, Уззох билан Охё*
аравани ҳайдаб кетишди. 8 Довуд ва жамики Исроил халқи Худонинг ҳузурида
берилиб ўйин–кулги қилаётган эдилар. Улар лира, арфа, чилдирма, зил ва
карнайлар чалиб, қўшиқлар билан бу воқеани байрам қилаётган эдилар.

9 Улар Нохун* деган одамнинг хирмонига етганларида, ҳўкизлар қоқилиб
кетди. Уззох Сандиқни ушлаб қолмоқчи бўлиб қўлини узатди. 10 Лекин Уззох Аҳд
сандиғига қўл узатгани учун*, Эгамиз ундан ғазабланди. Уззохни уриб, жонини
олди. Уззох ўша ерда — Худонинг олдида жон берди. 11 Эгамиз Уззохни нобуд
қилгани учун Довуд қаттиқ ғазабланди. Ўша кундан буён шу жой “Параз–Уззох”*
деб айтилади.

12 Довуд ўша куни Худодан қўрқиб: “Қандай қилиб Худонинг Сандиғини ўзим

билан олиб кела олар эканман?” деб ўйлади. 13 У Сандиқни ўзи билан Довуд
қалъасига олиб бормай, уни Гатлик* Обидадомнинг уйига ташлаб кетди.
14 Худонинг Сандиғи у ерда уч ой турди. Обидадомнинг хонадонига ва жамики
мол–мулкига Эгамиз барака берди.

14–БОБ

Довуднинг Қуддусдаги фаолияти

1 Тир* шоҳи Хирам Довуд ҳузурига элчилар юборди. Улар билан Довудга
саройининг қурилиши учун садр ёғочларини жўнатди, тош терувчилар ва
дурадгорларни йўллади. 2 Довуд энди билдики, Эгамиз уни Исроил устидан шоҳ
қилиб тайинлаган экан, Ўз халқининг ҳақи–ҳурмати учун унинг шоҳлигини
ниҳоятда юксалтирган экан.
3 Довуд Қуддусда яна хотинлар олди, улар Довудга янада кўп ўғил–қизлар
туғиб беришди. 4 Довуднинг Қуддусда туғилган фарзандлари қуйидагилар эди:
Шаммува, Шўвав, Натан, Сулаймон, 5 Йибхар, Элишува, Элфалат, 6 Нўгах, Нафах,
Ёфия, 7 Элишама, Элёдах* ва Элифалет.

Филист халқи устидан ғалаба

8 Филистлар: “Довудга мой суртилибди. У бутун Исроил халқи устидан шоҳ
бўлибди” деган хабарни эшитишди. Шундан кейин барча Филист лашкари
Довудни қидириб жангга отландилар. Бундан хабар топган Довуд ҳам ўз лашкари
билан уларга қарши жангга отланди. 9 Филистлар келиб, Рафа водийсини*
талон–тарож қила бошладилар. 10 Довуд Худодан:
— Филистларга ҳужум қилайми? Уларни қўлимга берасанми? — деб сўради*.
— Ҳужум қил! — деб жавоб берди Эгамиз Довудга. — Уларни қўлингга
бераман.
11 Шундай қилиб, Довуд Баал–Перазимга бориб, у ерда Филистларни тор–мор
қилди. Кейин шундай деди:
— Сув тўғондан тошиб, далани босгани сингари, Худо ғанимларимни босиб,
менинг қўлим билан уларни улоқтириб юборди.
Шу сабабдан бу ерга “Баал–Перазим”* деган ном берилди. 12 Филистлар ўша
ерда худоларининг тасвирларини ташлаб қочган эдилар, Довуд уларни ёндириб
юборишни буюрди.
13 Кўп ўтмай Филистлар водийга қайтиб келиб, у ерларни яна талон–тарож
қила бошладилар. 14 Довуд тағин Худонинг хоҳиш–иродасини сўради. Худо эса
унга шундай жавоб берди:
— Сен уларнинг олд томонидан ҳужум қилма. Уларни айланиб ўтгин–да,
мумиё дарахтлари томондан яқинлашиб бор. 15 Мумиё дарахтлари тепасида
Менинг қадамим товушларини эшитганинг заҳоти уларга ҳужум қил. Ўшанда Мен
Филист лашкарини йўқ қилиш учун сенинг қаршингдан чиққан бўламан.
16 Довуд Худо амр берганидай қилиб, Гивондан Гезер шаҳригача бўлган
жойларда Филистлар лашкарини тор–мор қилди. 17 Довуднинг донғи ҳамма
юртларга таралди. Эгамиз ҳамма халқларни ундан қўрқадиган қилиб қўйди.

15–БОБ

Аҳд сандиғини олиб келишга тайёргарлик

1 Довуд ўзи учун Довуд қалъасида уйлар барпо қилди. Худонинг Сандиғи учун
ҳам жой тайёрлаб, чодир қурди. 2 Кейин у шундай амр берди: “Худонинг

Сандиғини фақат левилар кўтариб юрсин. Зеро, Эгамиз Ўз Сандиғини кўтариб
юриш учун левиларни танлагандир. Уларни Ўзига абадий хизмат қилиш учун
танлаб олгандир.”
3 Довуд ўзи тайёрлаган жойга Эгамизнинг Сандиғини олиб келиш учун
жамики Исроил халқини Қуддусда тўплади. 4 Сўнгра қуйидаги Ҳорун наслини ва
левиларни йиғди:

5 Қоҳот наслидан — уруғбоши Уриёл ва у билан бирга унинг 120 нафар
қариндоши,
6 Марори наслидан — уруғбоши Осоёҳ ва у билан бирга 220 нафар
қариндоши,
7 Гершон наслидан — уруғбоши Йўэл ва у билан бирга 130 нафар
қариндоши,
8 Элизофон наслидан — уруғбоши Шамаё ва у билан бирга 200 нафар
қариндоши,
9 Хеврон наслидан — уруғбоши Элиёл ва у билан бирга 80 нафар
қариндоши,
10 Узиёл наслидан — уруғбоши Оминадав ва у билан бирга 112 нафар
қариндоши.

11 Довуд иккала руҳонийни — Зодўх билан Абуатарни, левилардан Уриёл,
Осоёҳ, Йўэл, Шамаё, Элиёл ва Оминадавни чақириб, 12 уларга деди: “Сизлар Леви
қабиласининг уруғбошиларисиз. Шундай экан, Исроил халқининг Худоси —
Эгамизнинг Сандиғини мен тайёрлаган жойга олиб кела олишингиз учун
ўзларингизни ва леви биродарларингизни покланглар*. 13 Олдинги сафар
Сандиқни левилар олиб келмагани учун Эгамиз Худо биздан қаттиқ ғазабланган
эди*. Ҳа, биз Ундан Сандиқни қандай олиб келишимиз кераклигини сўрамаган
эдик.”
14 Руҳонийлар ва левилар Исроил халқининг Худоси — Эгамизнинг Сандиғини
олиб келиш учун ўзларини покладилар. 15 Улар Эгамизнинг Мусо орқали берган
амрига мувофиқ*, Худонинг Сандиғини ходалар билан елкаларига ортиб, кўтариб
кетдилар.
16 Булардан ташқари, Довуд Леви қабиласининг уруғбошиларига,
қариндошларингиз орасидан созандаларни тайинланг, деб буюрган эди. Улар
арфа, лира ва зилларни чалиб, бу мусиқа асбобларининг жўрлигида шодиёна
қўшиқлар айтишлари керак эди. 17 Левилар Марори уруғидан қуйидаги
созандаларни тайинлаган эдилар: Йўэл ўғли Хаман, Бархиё ўғли Осиф ва Қушаё
ўғли Этхан. 18 Уларнинг ёрдамчилари қилиб қуйидагилар тайинланган эди:
Закариё, Язиёл*, Шамиромўт, Ёхиёл, Унно, Элиёб, Бинаё, Масиё, Маттитиё,
Элифалеҳ, Михниё ҳамда дарвозабонлар Обидадом ва Явиёл. 19 Созандалардан
Хаман, Осиф ва Этхан бронза зиллар чалишлари керак эди. 20 Закариё, Азиёл,
Шамиромўт, Ёхиёл, Унно, Элиёб, Масиё ва Бинаё арфаларни чалишлари керак
эди*. 21 Маттитиё, Элифалеҳ, Михниё, Обидадом, Явиёл ва Озазиё эса саккиз торли
лираларни чалиб, куй ижросида етакчилик қилишлари керак эди.
22 Левиларнинг бошлиғи Хонаниё моҳир созанда бўлгани учун уни
қўшиқчилар раҳбари қилиб тайинлаган эдилар. 23-24 Аҳд сандиғини қўриқлаш
учун Бархиё, Элқана, Обидадом ва Ёхиё тайинланган эдилар. Руҳонийлар
Шабаниё, Ёшафат, Натанил, Эмосай, Закариё, Бинаё ва Элиазар Худонинг Сандиғи
олдида карнайлар чалиб боришлари керак эди.

Аҳд сандиғи Қуддусга келтирилади

25 Довуд, Исроил оқсоқоллари ва мингбошилар Эгамизнинг Аҳд сандиғини
Обидадомнинг уйидан олиб келиш учун катта тантана билан кетдилар. 26 Аҳд
сандиғини кўтариб келаётган левиларга Худонинг Ўзи ёрдам берди. Шу сабабдан
улар еттита буқа ва еттита қўйни қурбонлик қилдилар. 27 Сандиқни кўтариб
келаётган барча левилар, қўшиқчилар ва қўшиқчилар раҳбари Хонаниё сингари,
Довуд ҳам майин зиғирдан тўқилган ридо кийиб олган эди. Довуд ридодан
ташқари руҳонийларнинг муқаддас либосини* ҳам кийган эди. 28 Шундай қилиб,
бутун Исроил халқи севинчли хитоблар билан, арфа ва лира куйлари ҳамда бурғу,
карнай, зиллар садолари остида Эгамизнинг Аҳд сандиғини олиб келди.
29 Улар Эгамизнинг Сандиғини Довуд қалъасига олиб киришаётганда,
Шоулнинг қизи Михал* деразадан қараб турган эди. У сакраб ўйнаётган шоҳ
Довудни кўрди–ю, ўз кўнглида уни паст кўрди.

16–БОБ

1 Левилар Худонинг Сандиғини Довуд махсус тайёрлаган чодирнинг
ичкарисига олиб кириб қўйдилар. Кейин Худога куйдириладиган
қурбонликларни ва тинчлик қурбонликларини келтирдилар. 2 Довуд
қурбонликлар қилиб бўлгандан кейин, Эгамизнинг номидан халқни дуо қилди.
3 Сўнг Исроил жамоасидаги ҳар бир одамга — эркагу аёлга, бир донадан гардиш
нон, бир ҳовучдан хурмо* ва бир ҳовучдан майиз* тарқатди.
4 У левилардан баъзиларини Эгамизнинг Сандиғи олдида хизмат қилиш учун
тайинлади. Улар Исроил халқининг Худоси — Эгамизни улуғлаб, Унга
шукроналар айтишлари ва мадҳиялар куйлашлари керак эди. 5 Осиф уларнинг
раҳнамоси эди, унинг ёрдамчилари эса Закариё, Явиёл, Шамиромўт, Ёхиёл,
Маттитиё, Элиёб, Бинаё, Обидадом ва Явиёл эдилар. Улар арфа ва лира
чолғувчилари, Осифнинг ўзи зил чолғувчиси, 6 руҳонийлар Бинаё билан Яхазиёл
эса карнай чолғувчилари бўлиб, улар ҳар куни Худонинг Аҳд сандиғи олдида
мусиқа асбобларини чалишлари керак эди.

Довуднинг шукрона қўшиғи

7 Ўша куни Довуд биринчи марта Осиф билан унинг қариндошлари зиммасига
Эгамизга ҳамду санолар айтиш масъулиятини юклаган эди.

8 Эгамизга шукур айтинг, Унга сажда қилинг,
Бошқа халқлар орасида Унинг ишларини билдиринг.
9 Тараннум қилиб Уни, ҳамду сано ила қўшиқ айтинг,
Унинг жамики ажойиб ишларини сўзлаб беринг.
10 Эгамизнинг муқаддас номи ила фахрланинг,
Эгамизга юз бурганларнинг қалби шодликка тўлсин.
11 Қудратли Эгамизга юз буринг!
Унинг ҳузурида бўлишга интилинг.
12-13 Эй сизлар, Эгамизнинг қули Исроил* насли,
Эй Ёқуб ўғиллари — Эгамизнинг танлаганлари,
Эгамиз қилган ажойиботларини эсда тутинг,
Унинг мўъжизаларини, чиқарган ҳукмларини унутманг.

14 У Эгамиз Худодир,
У бутун ер юзини адолатли ҳукм қилади.
15 Шундай экан, Унинг аҳдини доимо ёдда тутинг,

Минглаб насллар оша ваъдасини унутманг.
16 Эгамизнинг Иброҳим билан қилган аҳдига риоя қилинг,
Исҳоққа қасам ичиб берган ваъдасига содиқ қолинг.
17 Эгамиз бу аҳдни Ёқубга берди,
Ҳа, Исроил билан абадий аҳд қилиб шундай деди*:
18 “Канъон юртини сенга бераман,
Уни ўзингга абадий мулк қилиб оласан.”

19 Ўша вақтда уларнинг сони кам эди,
Ҳа, жуда камчилик эдилар.
Улар бу юртга келгинди эди.
20 Кезарди бир халқ орасидан бошқасига,
Бир шоҳликдан бошқа юртга.
21 Эгамиз ҳеч кимга уларни эзишларига йўл қўймади,
Уларни деб шоҳларга танбеҳ берди.
22 Айтдики: “Мен танлаганларга тегманглар,
Пайғамбарларимга* зарар келтирманглар.”

23 Эй олам, Эгамизни тараннум этинг!
Ҳар куни Унинг нажотидан сўйланг.
24 Эълон қилинг элатлар орасида Унинг шуҳратини,
Жамики халқлар орасида Унинг ажойиботларини.
25 Эгамиз буюкдир, кўп мақтовга лойиқдир,
Жамики худолардан У иззатлидир.
26 Зотан, халқларнинг ҳамма худолари бутлардир,
Эгамиз эса самоларни яратгандир.
27 Шуҳрату улуғворлик Унинг ҳузуридадир,
Қудрату шодлик Унинг масканидадир.
28 Эгамизга ҳамдлар айтинг, эй замин халқлари!
Эгамизнинг қудратию шуҳратига ҳамдлар ўқинг!
29 Эгамизнинг шарафига ҳамдлар ўқинг!
Назрлар келтириб, Унинг ҳузурига киринг!
Муқаддас улуғворликка бурканган Эгамизга сажда қилинг!*
30 Эй замин аҳли, Унинг олдида титраб туринг!
Олам мустаҳкам ўрнашган, ҳеч қачон тебранмайди.
31 Самолар шод бўлсин, замин қувонсин,
Элатлар орасида айтишсин: “Эгамиз Шоҳдир!”
32 Денгизу ундаги ҳамма жонзот гувилласин.
Далалару ундаги ҳар нарса севинч ила жўшсин,
33 Ўрмондаги дарахтлар шодликдан қўшиқ айтсин.
Эгамиз олдида улар қўшиқ айтар,
Ана, Заминни бошқармоқ учун У келаётир.

34 Эгамизга шукрона айтинг, У яхшидир!
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
35 Яна шундай деб айтинглар:
“Эй нажоткоримиз Худо, бизларни қутқар,
Бизни халқлардан халос қил,
Уларнинг орасидан тўплаб ол.
Ўзинг муқаддассан, Сенга шукур айтайлик,

Мадҳга лойиқ ишларинг билан фахрланайлик.
36 Исроил халқининг Худоси — Эгамизга
То абад олқишлар бўлсин.”

Шундан кейин жамики халқ: “Омин!” деб Эгамизга ҳамду санолар айтди.

Довуд Қуддус ва Гивонда сажда қилишни йўлга қўяди

37 Довуд Осифни ва унинг қариндошларини Эгамизнинг Аҳд сандиғи олдидаги доимий хизматга тайинлади. Улар ҳар куни ўша ерда ўз вазифаларини бажарар эдилар. 38 Уларга бу хизматда Обидадом ва унинг олтмиш саккизта қариндоши ёрдам беришлари керак эди. Ёдутун ўғли Обидадом ва Хўсах дарвозабон эдилар.
39 Довуд руҳоний Зодўхни ва унинг руҳоний қариндошларини Гивондаги саждагоҳда*, Эгамизнинг Муқаддас чодирида хизмат қилишга тайинлади. 40 Улар, Эгамизнинг Исроил халқига берган қонунига мувофиқ, ҳар куни эрталаб ва кечқурун қурбонгоҳ устида қурбонликлар куйдиришлари лозим эди. 41 Уларнинг ёнида Хаман, Ёдутун ва номма–ном айтиб танланган бошқа одамлар ҳам хизмат қилиб, Эгамизга: “Унинг содиқ севгиси абадийдир”, дея ҳамду сано айтишлари керак эди. 42 Хаман билан Ёдутун ҳамду санонинг куйи учун масъул бўлиб, карнай, зил ва бошқа мусиқа асбобларини чалишлари керак эди. Ёдутуннинг ўғиллари дарвозабон қилиб тайинланган эди.
43 Шундан кейин ҳамма одамлар уйларига қайтиб кетдилар, Довуд ҳам ўз оиласини дуо қилгани уйига қайтди.

17–БОБ

Натан пайғамбар шоҳ Довудга хабар беради

1 Довуд ўз саройига ўрнашиб олгач, Натан пайғамбарга деди:
— Қаранг, мен садр ёғочидан қурилган уйда яшаяпман, Эгамизнинг Аҳд сандиғи эса чодирда турибди.
2 — Кўнглингда нима бўлса, шуни қилавер, Худо сен билан, — деди Натан.
3 Ўша куни кечаси Натанга Эгамизнинг сўзи аён бўлди:

4 “Қулим Довуднинг олдига боргин–да, унга шу гапларни етказ: «Эгам шундай демоқда: истиқомат қилишим учун уйни Менга сен қурмайсан.
5 Исроил халқини Мисрдан олиб чиққанимдан то шу кунгача бирор уйда яшаган эмасман. У ердан–бу ерга кўчиб юрдим, чодирда маскан қилдим.
6 Мен ҳеч қачон Исроил халқининг ҳакамларига* шикоят қилмадим. Халқимга чўпонлик қилиш вазифасини уларнинг зиммасига юклаган бўлсам–да, ҳеч қачон уларнинг бироргасига: ‘Нима учун Менга садр дарахти ёғочидан уй қуриб бермадингизлар?’ деб айтмадим.»
7 Энди қулим Довудга айт: «Сарвари Олам шундай демоқда: Мен сени яйловлардаги қўй суруви орасидан танлаб олиб, халқим Исроилга ҳукмдор қилдим. 8 Қаерга борсанг, сен билан бўлдим, ҳужум қилганингда, ҳамма ғанимларингни йўқ қилдим. Энди сенинг номингни оламдаги улуғ одамларнинг номи сингари машҳур қиламан. 9-10 Халқим Исроилга илк ҳакамларни тайинлаганимдан буён виждонсиз одамлар халқимни эзиб келдилар. Энди халқим Исроил учун бир юрт тайин этиб, уларни ўша ерга ўтқазаман. Улар ўз юртида истиқомат қилишади, бошқа беҳаловат бўлишмайди. Ҳамма ғанимларингни сенга бўйсундираман. Мен, Эганг, сен учун бир хонадон барпо этаман, деб айтмоқдаман. 11 Сен оламдан ўтиб,

ота–боболаринг ёнига дафн қилинганингдан кейин ҳам, Мен
ўғилларингдан бирини, пушти камарингдан бино бўлган фарзандингни
шоҳ қилиб, унинг шоҳлигини мустаҳкамлайман. 12 Менга атаб уйни у
қуради. Мен эса унинг тахтини то абад мустаҳкам қиламан. 13 Мен унга ота
бўламан, у эса Менга ўғил бўлади. Мен сендан олдинги шоҳни
марҳаматимдан маҳрум қилган эдим. Лекин ўғлингдан ҳеч қачон
марҳаматимни дариғ тутмайман. 14 Мен уни Ўз хонадоним ва шоҳлигим
устига абадий ўтқазаман, унинг тахти то абад мустаҳкам бўлади.»”

15 Худо аён қилганларнинг ҳаммасини Натан Довудга айтди.

Довуд шукрона айтиб ибодат қилади

16 Шундан кейин шоҳ Довуд Эгамизнинг ҳузурида ўтириб*, шундай ибодат
қилди:

“Эй Парвардигор Эгам! Мен ким бўлибман, хонадоним нима бўлибдики,
Сен мени бу қадар улуғладинг?! 17 Бунинг устига, эй Худо, Сен келажак
замонда юз берадиган воқеаларни хабар қилдинг. Бу қулингнинг хонадони
учун кўп ваъда бердинг. Назарингда мени улуғ одамдай билдинг*, эй
Парвардигор Эгам! 18 Сен бу қулингни шуҳратга эриштирдинг, Сенга
бундан ортиқ нима ҳам дея олардим?! Ахир, бу қулингни биласан–ку. 19 Эй
Эгам, Сен бу қулингнинг ҳақи–ҳурмати учун Ўз хоҳишингга мувофиқ,
шундай улуғвор иш қилдинг. Бу буюк ваъдаларингни бизга аён қилдинг.
20 Сенга ўхшаган бошқа худо ҳақида ҳеч қачон эшитмаганмиз. Сенинг
асло ўхшашинг йўқ. Эй Эгам, Сендан ўзга Худо йўқ! 21 Халқинг Исроилга
ўхшаши йўқ! Эй Худойим, бошқа қайси халқни Сен қулликдан халос қилиб,
Ўзингнинг халқинг қилдинг?! Сен Ўз халқингни Мисрдан олиб чиқиб,
бутун оламга шуҳратингни ёйдинг. Буюк ва ажойиб ишларинг орқали
халқинг олдидан бегона халқларни қувдинг. 22 Халқинг Исроилни то абад
Ўзингнинг халқинг қилдинг. Эй Эгам, Сен уларнинг Худоси бўлдинг.
23 Эй Эгам! Бу қулингга ва унинг хонадонига қарата айтган сўзингда то
абад тур, берган ваъдангни бажар, 24 токи одамлар, Сарвари Олам —
Исроил халқининг Худоси экан, деб номингни то абад мақтаб юрсинлар. Ҳа,
қулинг Довуднинг хонадонини Ўзинг ҳар доим мустаҳкам қилгин. 25 Зотан,
Сен, эй Худойим, бу қулингга, сенинг хонадонингни барпо этаман, деб аён
этгансан! Шу сабабдан бу қулинг Сенга ибодат қилишга журъат этди. 26 Эй
Эгам! Сен Худосан. Сен бу қулингга ана шундай эзгу нарсаларни ваъда
қилгансан. 27 Агар Ўзинг маъқул кўрсанг, бу қулингнинг хонадонига
марҳамат қилгин, токи Сенинг ҳузурингда то абад турсин. Зотан, Сен
марҳамат қилган хонадон, эй Эгам, то абад марҳаматга сазовор бўлғай.”

18–БОБ

Довуднинг жангдаги ғалабалари

1 Бирмунча вақт ўтгач, Довуд яна Филистларга ҳужум қилиб, уларни мағлуб
қилди. Гат шаҳри* ва унинг атрофидаги қишлоқларни Филистлардан тортиб
олди.
2 Сўнг Мўаб халқини ҳам мағлуб қилди. Мўаб халқи Довудга қарам бўлиб,
ўлпон тўлайдиган бўлишди.
3 Зўво* шоҳи Ҳададзар Фурот дарёси бўйларига юриш қилиб, ўша ерларда ўз

ҳокимиятини ўрнатмоқчи бўлган бир пайтда Довуд унга ҳужум қилди. Довуд Ҳададзарни Хомат шаҳри ёнида тор–мор этди. 4 Ҳададзарнинг 1000 та жанг аравасини, 7000 отлиқ ва 20.000 пиёда сипоҳини асирга олди. Ўзининг 100 та жанг араваси учун керакли отларни қолдириб, бошқа ҳамма отларни майиб қилди.

5 Дамашқдаги Орам халқи Зўво шоҳи Ҳададзарга ёрдамга келган эди, Довуд улардан 22.000 кишини ўлдирди. 6 Сўнг Дамашқдаги Орам халқининг шаҳарларига ўзининг қўнолғаларини жойлаштирди. Орам халқи ҳам Довудга қарам бўлиб, ўлпон тўлайдиган бўлди. Шундай қилиб, Довуд қаерга бормасин, Эгамиз уни зафарга эриштирди.

7 Довуд Ҳададзарнинг аъёнлари кўтариб юрадиган олтин қалқонларни қўлга киритиб, Қуддусга келтирди. 8 Яна Ҳададзарнинг қўли остидаги шаҳарлари бўлган Тивхат ва Хундан кўп бронза олиб келди. Кейинчалик Сулаймон бу бронзадан ҳовуз, устунлар ва ҳар хил ашёлар ясаттирди*.

9 Хомат* шоҳи Тўах*: “Довуд Ҳададзарнинг бутун лашкарини мағлуб қилибди” деган хабарни эшитиб қолди. 10 Тўах шоҳ Довуднинг ҳузурига ўғли Ёрамни* юбориб, қутлади, жангда Ҳададзардан ғолиб келгани учун Довудни олқишлади. Тўах Ҳададзар билан узоқ вақтдан бери уришиб келарди. У Довудга олтин, кумуш, бронза идишларни тортиқ қилиб юборди. 11 Шоҳ Довуд бу инъомларни бошқа юртлардан — Эдом, Мўаб, Оммон, Филист ва Омолекдан тортиб олиб келган олтину кумушлар билан бирга Эгамизга назр қилди.

12 Зеруя ўғли Абушай Туз водийсида* Эдом халқидан 18.000 кишини ҳалок қилди. 13 У Эдом юртига* ўз қўнолғаларини жойлаштирди. Эдом халқи Довудга қарам бўлди. Довуд қаерга бормасин, Эгамиз уни зафарга эриштирди.

14 Довуд бутун Исроилда шоҳлик қилар экан, халқини одиллик билан бошқарарди. 15 Зеруя ўғли Йўаб — лашкарбоши, Охилуд ўғли Ёҳушафат мушовир* эди. 16 Охитоб ўғли Зодўх билан Абуатар ўғли Охималек* — руҳоний, Сараё* мирза эди. 17 Ёҳайидо ўғли Бинаё Харетлик ва Палатлик қўриқчиларнинг* бошлиғи эди. Довуднинг ўғиллари саройда юксак лавозимдаги аъёнлар эдилар.

19–БОБ

Довуд Оммон ва Орам халқларини мағлуб қилади

1 Орадан бир қанча вақт ўтгач, Оммон* шоҳи Нахош оламдан ўтиб, ўрнига ўғли Ханун шоҳ бўлди. 2 Довуд: “Нахош менга содиқ эди, мен ҳам унинг ўғли Ханунга содиқ бўлайин”, деб кўнглидан ўтказди. Шундай қилиб, Довуд Ханунга отасининг вафоти муносабати билан тасалли бериш учун ўз элчиларини жўнатди.

Довуднинг элчилари Ханунга тасалли бергани Оммон юртига боришгач, 3 Оммон беклари Ханунга шундай деб ўргатишди: “Довуд бу одамларини отангиз ҳурмати учун жўнатган, деб ўйлайсизми? Йўқ, бу элчилар сизнинг ҳузурингизга ёмон ният билан келишган, улар юртни кузатиб, текшириб, кейин қўлга киритишмоқчи.” 4 Шу гапдан сўнг Ханун Довуднинг элчиларини ушлади, уларнинг соқолларини қирдириб, кийимларини сонларигача кестириб, орқага қайтариб юборди. 5 Элчилар қайтиб кетишди. Довуд бу воқеани эшитди–ю, элчиларини кутиб олиш учун одамлар жўнатди. Элчилар жуда шармандали аҳволда қолган эдилар. Шоҳ ўша элчиларига: “Соқолингиз ўсгунча Ерихода қолинглар, кейин менинг олдимга қайтиб келинглар”, деб айттириб юборди.

6 Оммон халқи: “Энди Довуднинг ғазабига дучор бўлдик”, деб ўйладилар. Шунинг учун Ханун ва Оммон халқи Орам–Нахрайимдан, Орам–Маходан ва Зўво

шоҳликларидан* жанг аравалари ва отлиқлар ёллаш учун 2000 пуд* кумуш юбордилар. 7 Ханун 32.000 та жанг аравасини ва Махо шаҳри шоҳини лашкари
билан ёллади. Махо шоҳи келиб, Мидаво шаҳри* ёнида қароргоҳ қурди. Оммон халқи ҳам ўз шаҳарларидан чиқиб, жангга отланди.
8 Довуд бу хабарни эшитди–ю, лашкарбоши Йўаб бошчилигида қўриқчиларининг ҳаммасини урушга сафарбар қилди. 9 Оммон лашкари шаҳар* дарвозаси олдида Довудга қарши саф тортди. Ёрдамга келган шоҳлар ҳам ялангликда алоҳида саф тортдилар.
10 Йўаб ғаним тўдалари орқаю олдиндан ҳужум қилаётганини кўрди. У Исроилнинг сараланган сипоҳларидан танлаб олди–да, Орам лашкарига қарши саф торттирди. 11 Қолганларига эса укаси Абушайни бош қилиб, Оммонларга қарши шай қилиб қўйди. 12 Йўаб Абушайга:
— Орам лашкари мендан устун келса, сен ёрдамга келасан, — деди. — Борди–ю, Оммонлар сендан баланд келса, мен ёрдамга бораман. 13 Бардам бўл! Халқимиз ва Худойимизнинг шаҳарлари учун мардларча кураш олиб борайлик. Эгамизнинг хоҳиш–иродаси бажо бўлсин.
14 Йўаб бошчилигидаги сипоҳлар Орам лашкарига қарши ташландилар. Орам лашкари эса уларнинг олдига тушиб қочиб қолди. 15 Уларнинг қочганини кўрган Оммонлар ҳам Йўабнинг укаси Абушайдан қочиб, шаҳарга беркиндилар. Шундан кейин Йўаб Қуддусга қайтиб кетди.
16 Орам лашкари Исроил лашкаридан енгилганини англаб етгач, хабарчилар юбориб, Фурот дарёсининг нариги томонида турган ўз лашкарини чақиртириб келдилар. Уларга лашкарбоши қилиб, шоҳ Ҳададзар лашкарининг қўмондони Шўвахни* тайинладилар. 17 Довуд бу воқеани эшитиб, жамики Исроил лашкарини йиғди. Иордан дарёсини кечиб ўтиб, Орам лашкарига қарши саф тортди. Орам лашкари ҳужумга ўтди. 18 Аммо улар бу сафар ҳам Исроил лашкарининг олдига тушиб қочиб қолишди. Довуд Орам лашкарининг 7000 нафар жанг араваси аравакашини ва 40.000 нафар сипоҳини ўлдирди. Ҳададзарнинг лашкарбошиси Шўвах ҳам Довуднинг қўлида ҳалок бўлди.
19 Шундай қилиб, Ҳададзарнинг қўли остидаги шоҳлар Исроилдан мағлуб бўлиб, Довуд билан сулҳ тузишга мажбур бўлишди. Улар Довудга қарам бўлиб қолишди. Шундан кейин Орам халқи Оммон халқига ёрдам беришдан бош тортадиган бўлди.

20–БОБ

Довуд Рабба шаҳрини босиб олади

1 Баҳор бошланиб, шоҳлар урушга кетадиган пайт ҳам бўлди. Йўаб лашкарни жангга бошлади. Улар Оммон юртини яксон қилиб, Рабба шаҳрини* қамал қилишди. Довуднинг ўзи Қуддусда қолган эди. Йўаб Раббага ҳужум қилиб, шаҳарни қўлга киритди. 2 Довуд Раббага етиб боргач, Оммон шоҳининг бошидаги тожини* олди. Қимматбаҳо тошлар билан безатилган, оғирлиги икки пуд* келадиган бу олтин тож Довуднинг бошига кийдирилди. Довуд шаҳардан катта миқдорда ўлжа ҳам йиғди. 3 У шаҳар аҳолисини арра, чўкич ва болта билан бажариладиган ишларга мажбур қилди. Довуд Оммон шаҳарларининг ҳаммасида шу усулни қўллади. Шундан кейин у жамики лашкарини бошлаб, Қуддусга қайтиб кетди.

Филист паҳлавонларига қарши жанг

4 Шундан сўнг Гезер шаҳрида Филистлар билан яна уруш чиқди. Хушалик

Сибахай бу урушда Соф* деган одамни ўлдирди. Соф Рафа халқидан* эди. Филистлар Исроил халқига бўйин эгдилар.

5 Кўп ўтмай Исроил лашкари билан Филистлар ўртасида яна уруш бўлди. Ёвир ўғли Элханон Гатлик* Гўлиётнинг* укаси Лахмини ўлдирди. Гўлиёт найзасининг сопи тўқувчининг дастгоҳи ходасидай келарди.

6 Сўнгра яна Гат шаҳрида уруш бўлди. У ерда ҳам Рафа халқидан девдай бир одам бор эди. Унинг қўл–оёқлари олти бармоқли эди, ҳаммаси бўлиб йигирма тўртта бармоғи бор эди. 7 Ўша одам Исроил лашкарини ҳақорат қилган эди, Йўнатан уни ўлдирди. Йўнатан Довуднинг акаси Шимонинг ўғли эди.

8 Довуд ва унинг одамлари томонидан ўлдирилган ўша Филистлар Гатлик бўлиб, Рафа халқидан эдилар.

21–БОБ

Довуд халқни рўйхат қилади

1 Шайтон Исроилга қарши қўзғалиб, Довудни Исроил халқини санаб чиқишга ундади. 2 Довуд Йўабга ва лашкарбошиларга шундай буйруқ берди:

— Боринглар, Бершебадан Дангача бўлган жойларни кезиб, Исроил халқини санаб чиқинглар. Менга натижасини олиб келинглар, токи қанча аҳоли борлигини мен билайин.

3 Лекин Йўаб шундай деди:

— Эгам халқнинг ҳозирги сонини юз карра кўпайтирсин! Эй шоҳ ҳазратлари, бу халқнинг ҳаммаси сизнинг қулларингиз эмасми?! Нечун ҳазратим халқни санашга эҳтиёж сезиб қолдилар?! Нечун Исроилга гуноҳ орттирмоқчилар?!

4 Лекин Йўаб сўзидан шоҳнинг сўзи устун келди. Йўаб бориб, бутун Исроил юртини кезиб чиқди. Сўнгра Қуддусга қайтиб келди. 5 Йўаб рўйхат натижасини Довудга маълум қилди. Бутун Исроилда жанг қилишга қодир 1.100.000 одам, Яҳудода эса жанг қилишга қодир 470.000 одам бор экан. 6 Йўаб Леви қабиласи билан Бенямин қабиласини рўйхатга киритмаган эди, чунки шоҳнинг бу буйруғидан у тамом норози эди.

7 Халқ рўйхатга олингани Худога ҳам маъқул келмади. У Исроил халқини жазолади. 8 Шунда Довуд:

— Бу ишни қилиб оғир гуноҳга ботдим, ақлсизларча иш тутдим. Ўтинаман, бу қулингнинг гуноҳини кечир, — деб Худога илтижо қилди.

9 Довуднинг хизматида бўлган валий Гадга Эгамиз деди:

10 — Бориб Довудга шу гапларни етказ: “Эгам шундай деб айтмоқда: Мен сенга учта жазони таклиф қиламан, шулардан биттасини танла, кейин сенга ўша жазони юбораман.”

11 Гад Довуднинг ҳузурига бориб, унга шундай деди:

— Эгамиз айтмоқда: “Оладиган жазоингни ўзинг танла. 12 Уч йил очарчилик бўлсинми? Ёки уч ой давомида душманларинг сени таъқиб қилиб, қирсинми? Ёки Эгамнинг Ўзи сенга уч кун давомида қиличи билан ҳужум қилиб, Ўз фаришташи орқали бутун юртни ўлатга гирифтор қилсинми?” Мени Юборганга нима деб жавоб берайин?

13 — Мен жуда оғир аҳволда қолдим–ку, — деди Довуд Гадга. — Нима бўлса ҳам, одамзоднинг қўлига тушмайин. Майли, Эгамнинг Ўзи мени жазоласин, чунки У ғоят раҳмдил.

14 Шундай қилиб, Эгамиз Исроил юртига ўлат юборди. Натижада Исроил халқидан 70.000 одам нобуд бўлди. 15 Худо Қуддусни вайрон қилиш учун бир

фариштани юборди. Лекин фаришта шаҳарни вайрон қилмоқчи бўлиб турганда, Эгамиз раҳм қилиб, бало–қазо жўнатмайдиган бўлди. Халқни қираётган фариштага:

— Бўлди, бас! Етади! — деб амр берди.

Эгамизнинг фариштаси ўша пайтда Қуддусда — Ёбус халқидан бўлган Аравно* исмли одамнинг хирмонида* турган эди.

16 Довуд қараса, Эгамизнинг фариштаси ер билан осмон ўртасида, қўлидаги яланғочланган қиличини Қуддус томонга чўзиб турган экан. Шунда қанор кийган* Довуд ва оқсоқоллар мук тушдилар.

17 — Халқни санашга амр берган менман–ку, — дея ёлворди Худога Довуд. — Гуноҳ қилган менман, мен айбдорман! Қўйдай беозор бу инсонлар нима айб қилибди? Эй Эгам Худо, ғазабингни менга ва отам хонадонига соча қол! Халқингни эса ўлатдан халос эт.

18 Шундан кейин Эгамизнинг фариштаси Гадга буюрди:

— Довудга бориб айт: “Ёбус халқидан бўлган Аравнонинг хирмонига бориб, ўша ерда Эгамизга атаб бир қурбонгоҳ қур.”

19 Гад бориб, Довудга Эгамизнинг буйруғини етказди. Довуд унинг айтганини қилиб, хирмонга борди. 20 Ўша пайти Аравно билан унинг тўрт ўғли буғдой янчаётган эдилар. Бирданига улар фариштани кўриб қолдилар. Ўғилларнинг тўрталаси ҳам қочиб яшириниб олдилар. 21 Худди ўша заҳоти Довуд ҳам хирмонга яқинлашиб қолган эди. Аравно Довудни кўриши биланоқ хирмондан чиқиб, ерга мук тушиб таъзим қилди. 22 Довуд Аравнога айтди:

— Менга хирмонингни тўлиқ нархига сот, мен Эгамга атаб қурбонгоҳ қурмоқчиман, токи ўлат халқдан даф бўлсин.

23 — Хирмонимни олаверинг, — дея жавоб берди Аравно. — Шоҳ ҳазратлари нимани маъқул кўрсалар, шуни қилсинлар. Мана, куйдириб қурбонлик қилишлари учун ҳўкизларимни бераман, ўтин учун хўптирим* бор, дон назри учун буғдойим ҳам тайёр. Ҳаммасини олаверинг.

24 — Бўлмайди! — деди шоҳ Довуд. — Сендан бу нарсаларни тўлиқ нархига сотиб оламан. Сенинг мулкингни Эгамга бағишламайман. Текин тушган қурбонликларни Эгамга куйдириб назр қилмайман.

25 Довуд Аравнога ўша ер учун олти юз олтин танга* берди. 26 Довуд у ерда Эгамизга атаб қурбонгоҳ қуриб, куйдириладиган қурбонликлар ва тинчлик қурбонликларини атади. Сўнгра Эгамизга илтижо қилди. Эгамиз унинг илтижосига жавоб бериб, қурбонгоҳ устига осмондан олов туширди.

27 Шундан сўнг Эгамиз фариштага: “Қиличингни* қинига қайтариб солиб қўй!” деб амр берган эди, фаришта итоат этди. 28 Довуд қилган илтижосига Эгамиздан жавоб олганини кўргач, Аравнонинг хирмонида яна қурбонликлар келтирди. 29 Мусо саҳрода ясаган Эгамизнинг чодири ва қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ ўша пайтда Гивондаги* саждагоҳда жойлашган эди. 30 Аммо Довуд Худога илтижо қилгани у ерга бормаганди. Чунки у Эгамизнинг фариштаси қиличидан қўрққан эди.

22–БОБ

1 Довуд шундай деди: “Эгамиз Худонинг уйи ҳам, Исроил халқи қурбонликлар куйдирадиган қурбонгоҳ ҳам шу ерда бўлади.”

Маъбадни қуришга тайёргарлик

2 Довуд Исроил юртидаги барча мусофирларни бир жойга йиғдирди. Улардан

баъзиларини Худонинг уйини қуриш учун тош кесиб йўнадиган сангтарошлар қилиб тайинлади. 3 Довуд ёғоч дарвозалар учун ошиқ–мошиқ ва михлар ясагани кўп миқдорда темир сақлаб қўйди. Бронза ҳам шунчалик кўп эдики, ҳеч ким унинг ҳисобига ета олмасди. 4 У беҳисоб садр ёғочини ҳам сақлаб қўйди. Сидонликлар ва Тирликлар* кўп миқдорда садр ёғочлари олиб келган эдилар. 5 Довуд ичида шундай деб айтар эди: “Ўғлим Сулаймон ёш, тажрибасиз. Эгамиз учун қуриладиган уй эса шу қадар салобатли бўлиши керакки, унинг донғи бутун дунёга ёйилиб, барча халқлар орасида шуҳрат топиши керак. Шундай экан, қурилиш учун ҳамма тайёргарликни ўзим кўриб қўяверай.” Шунинг учун Довуд ўлимидан олдин кўп миқдордаги ашёларни тайёрлаб қўйган эди.

6 Сўнгра Довуд ўғли Сулаймонни чақиртириб, Исроил халқининг Худоси — Эгамиз учун уй қуришни унга топширди.

7 — Ўғлим! — деб гапини бошлади Довуд, — Мен Эгам Худога атаб бир уй қуриш ниятида эдим. 8 Лекин Эгам менга шундай сўзини юборган эди: “Сен кўп жанг қилиб, кўп қон тўкдинг. Ер юзида, Менинг олдимда шу қадар кўп қон тўкканинг учун Менга атаб уйни сен қурмайсан. 9 Аммо сендан бир ўғил туғилади. Ўғлинг тинчликсевар одам бўлади. Мен уни атрофдаги ҳамма ғанимлардан халос қилиб, тинчликка эриштираман. Унинг исми Сулаймон* бўлади. Унинг ҳукмронлиги даврида Исроилга тинчлик, осойишталик ато қиламан. 10 Менга атаб уйни ўша ўғлинг қуради. У Менга ўғил бўлади, Мен унга ота бўламан. Унинг Исроилдаги шоҳлик тахтини то абад мустаҳкам қиламан.” 11 Энди, ўғлим, Худо сенга ёр бўлсин. Унинг уйини қураётганингда, Эганг Худо Ўз ваъдасига мувофиқ, сени муваффақиятга эриштирсин. 12 Эгам сенга идрок билан фаҳм–фаросат берсин, токи У Исроил ҳукмронлигини сенга топширганда, сен Эганг Худонинг қонунига риоя қила олгин. 13 Агар сен Эгамизнинг Исроил учун Мусога амр этган қонун–қоидаларини битта қолдирмай бажарсанг, муваффақиятга эришасан. Дадил ва ботир бўл. Қўрқма, ваҳимага тушма. 14 Мен Эгамизнинг уйи учун кўп машаққатлар билан 200.000 пуд* олтин, 2.000.000 пуд* кумуш, беҳисоб миқдорда бронза ва темир тайёрладим. Яна ёғоч ва тош ҳам тайёрлаб қўйдим. Сен буларга яна қўшишинг лозим. 15 Сенинг кўп ишчиларинг бор. Уларнинг орасида турли ҳунармандлар — тош йўнувчилар, тош терувчилар, дурадгорлар, 16 олтин, кумуш, бронза ва темирга ишлов берадиган, беҳисоб моҳир усталар бор. Қани, ишга бел боғла. Худо сенга ёр бўлсин.

17 Довуд Исроилнинг барча йўлбошчиларига, Сулаймонга ёрдам беринглар, деб амр қилиб, шундай деди: 18 “Эгангиз Худо сизлар билан бирга бўлиб, сизларга ҳар томондан тинчлик ато этди. Биздан олдин бу юртда яшаган халқни У менинг қўлимга берди. Улар энди Эгамизга ва Унинг халқига қарам бўлиб қолди. 19 Энди бутун қалбингиз ва юрагингиз билан Эгангиз Худога интилинг. Боринглар, Парвардигор Эгамизга атаб уй қуришни бошланглар, токи Аҳд сандиғи ва муқаддас ашёлар ўша ерда сақланадиган бўлсин.”

23–БОБ

1 Довуд роса кексайиб, умри охирлаб қолгач, ўғли Сулаймонни Исроил устидан шоҳ қилди.

Левилар ва уларнинг вазифалари

2 Довуд Исроилнинг ҳамма йўлбошчиларини, руҳонийларини ва левиларни тўплади. 3 У ўттиз ва ундан юқори ёшдаги левиларни ҳисоблади. Уларнинг жами 38.000 эркак чиқди. 4 Шунда Довуд айтди: “Булардан 24.000 нафари Эгамизнинг

уйидаги ишлар учун масъул бўлади, 6000 нафари амалдорлар ва ҳакамлар бўлиб
хизмат қилади, 5 4000 нафари дарвозабон бўлади, қолган 4000 нафари эса мен
ясаттирган мусиқа асбобларини чалиб, Эгамизни мадҳ қилади."
6 Довуд левиларни уруғларига кўра, Гершон, Қоҳот ва Марори гуруҳларига
бўлди.

Гершон насли

7 Гершоннинг Лубнах* ва Шимах деган икки ўғли бор эди.
8 Лубнахнинг учта ўғли бўлиб, тўнғичи Ёхиёл, ўртанчаси Затом ва
кенжаси Йўэл эди.
9 Улар Лубнах наслининг уруғбошилари эдилар. Шимахнинг Шалумўт,
Хазиёл ва Харон исмли уч ўғли бор эди.
10-11 Кейинчалик Шимах яна тўрт ўғил кўрди, уларнинг тартиби
қуйидагича эди: Яхат, Зизо, Ёуш ва Бариё. Ёуш билан Бариёнинг ўғиллари
кам бўлгани учун улар битта хонадон ҳисобланардилар.

Қоҳот насли

12 Қоҳотнинг тўртта ўғли бўлиб, уларнинг исмлари Имром, Изхор,
Хеврон ва Узиёл эди.
13 Имромнинг ўғиллари Ҳорун ва Мусо эди. Ҳорун Худога бағишланган
бўлиб, энг муқаддас ашёлар учун масъулият то абад унинг ва унинг насли
зиммасига юкланган эди. Улар Эгамизнинг ҳузурида қурбонликлар
келтиришлари, Унга хизмат қилишлари ва то абад Унинг номидан халқни
дуо қилишлари керак эди. 14 Худонинг одами Мусога келсак, унинг
ўғиллари Леви қабиласининг бир қисми ҳисобланарди.
15 Мусонинг Гершом ва Элиазар деган икки ўғли бор эди.
16 Гершомнинг ўғиллари орасида Шавувол тўнғичи эди.
17 Элиазарнинг тўнғич фарзанди Рахавиё эди. Элиазарнинг ундан бўлак
ўғиллари бўлмаса–да, Рахавиёнинг ўғиллари ниҳоятда кўп эди.
18 Қоҳотнинг иккинчи ўғли Изхор ҳам ўғиллар кўрган эди. Унинг тўнғич
ўғли Шалумит эди.
19 Қоҳотнинг учинчи ўғли Хеврон тўрт ўғил кўрган эди. Тўнғич
ўғлининг исми Ёриё, кейингиларники Эмориё, Яхазиёл ва Ёхамом эди.
20 Қоҳотнинг кенжа ўғли Узиёлнинг икки ўғли бор эди: тўнғичи Михо ва
кенжаси Ишшиё.

Марори насли

21 Мароринининг Махли ва Муши деган иккита ўғли бор эди.
Махлининг Элазар ва Киш исмли иккита ўғли бор эди. 22 Элазар ўғил
кўрмай ўтиб кетди. Ундан фақат қизлар туғилди. Унинг қизлари
ўзларининг амакиваччалари — Кишнинг ўғилларига турмушга чиқдилар.
23 Мушининг Махли, Эдер ва Ёримўт исмли уч ўғли бор эди.

24 Хуллас, левиларнинг номма–ном рўйхатга киритилган авлодлари, уларнинг
уруғ ва хонадонлари шулардан иборат эди. Йигирма ва ундан юқори ёшдаги
левилар Эгамизнинг уйидаги хизматга тайинланган эдилар.
25 Довуд шундай деган эди: "Исроил халқининг Худоси — Эгамиз Ўз халқига
тинчлик ато қилди. Энди У Қуддусда абадий истиқомат қилади. 26 Шундай экан,
бундан буён левилар Муқаддас чодирни ёки унда ишлатиладиган ашёларни
кўтариб юришлари шарт эмас." 27 Довуднинг охирги фармонига кўра, йигирма ва
ундан юқори ёшдаги левилар рўйхатга олинган эдилар.
28 Левиларнинг вазифаси Эгамизнинг уйидаги хизматда Ҳорун наслига ёрдам

бериш эди. Бунга: ҳовли ва ён хоналарга масъул бўлиш, муқаддас ашёларни поклаш ва Эгамизнинг уйидаги ҳар қандай бошқа юмушларни бажариш вазифалари кирар эди. 29 Шунингдек, левилар Эгамиз ҳузуридаги хонтахта устига қўйиладиган нонлар, дон назри учун сифатли ун, хамиртурушсиз чалпаклар, пишириб тайёрланадиган назрлар, зайтун мойи аралаштирилган назрлар, назрларнинг оғирлиги, сони ва ҳажми учун масъул эдилар. 30 Ҳар куни эрталаб ва кечқурун улар Маъбадда Эгамизга шукроналар айтиб, ҳамду санолар куйлашлари керак эди. 31 Шаббат кунлари, янги ой ва бошқа белгиланган байрамларда қурбонликлар куйдирилганда ҳам шукроналар айтиб, ҳамду санолар куйлаш уларнинг зиммасида эди. Эгамизнинг ҳузурида доимо хизмат қилаётган левиларнинг сони қоидага мувофиқ бўлиши шарт эди.

32 Демак, левилар Учрашув чодири* ва Маъбад учун масъул бўлиб, Эгамизнинг уйида хизмат қилган ўз қариндошлари — Ҳорун наслига ёрдам беришлари керак эди.

24–БОБ

Руҳонийлар ва уларнинг вазифалари

1 Ҳорун насли хизмат учун гуруҳ–гуруҳларга бўлинди. Ҳоруннинг Надов, Абиҳу, Элазар ва Итамар исмли тўрт ўғли бор эди. 2 Лекин Надов билан Абиҳу оталаридан олдин, ўғил кўрмасдан вафот этганлари учун, Элазар билан Итамар руҳоний бўлдилар. 3 Шоҳ Довуд Ҳорун наслини, бажарадиган вазифаларига кўра, гуруҳларга бўлди. Унга бу ишда Элазар наслидан бўлган Зодўх ва Итамар наслидан бўлган Охималек ёрдам бердилар. 4 Элазар наслидаги уруғбошиларнинг сони Итамар наслиникига қараганда кўпроқ бўлгани учун, Элазар насли 16 гуруҳга, Итамар насли эса 8 гуруҳга бўлинди. 5 Маъбадда Худога хизмат қиладиган малакали раҳнамоларнинг баъзилари Элазар наслидан, бошқалари эса Итамар наслидан эдилар. Шу сабабдан тарафкашликка йўл қўймаслик учун бажарадиган вазифалари уларга қуръа бўйича* бўлиб берилди.

6 Элазар ва Итамар насллари учун навбатма–навбат қуръа ташланди. Левилардан бўлган котиб Натанил ўғли Шамаё қуръа натижаларини қайд этиб турди. Шоҳ, унинг аъёнлари, руҳоний Зодўх, Абуатар ўғли Охималек ҳамда руҳоний ва леви хонадонларининг уруғбошилари бунга шоҳид бўлдилар.

7 Биринчи қуръа Ёҳайиривга тушди.
Иккинчи қуръа Ёдаёга тушди.
8 Учинчи қуръа Харимга тушди.
Тўртинчи қуръа Сайўримга тушди.
9 Бешинчи қуръа Малкиёга тушди.
Олтинчи қуръа Миёминга тушди.
10 Еттинчи қуръа Хаккўзга тушди.
Саккизинчи қуръа Абиёга тушди.
11 Тўққизинчи қуръа Ешувага тушди.
Ўнинчи қуръа Шаханиёга тушди.
12 Ўн биринчи қуръа Элиашабга тушди.
Ўн иккинчи қуръа Яхимга тушди.
13 Ўн учинчи қуръа Хуппага тушди.
Ўн тўртинчи қуръа Эшебовга тушди.
14 Ўн бешинчи қуръа Билдахга тушди.

Ўн олтинчи қуръа Иммарга тушди.
15 Ўн еттинчи қуръа Хазирга тушди.
Ўн саккизинчи қуръа Хапизезга тушди.
16 Ўн тўққизинчи қуръа Патихиёга тушди.
Йигирманчи қуръа Ёхизқиёлга тушди.
17 Йигирма биринчи қуръа Ёхинга тушди.
Йигирма иккинчи қуръа Гамулга тушди.
18 Йигирма учинчи қуръа Далоёга тушди.
Йигирма тўртинчи қуръа Мазиёга тушди.

19 Ҳар бир гуруҳ Эгамиз уйидаги ўз вазифасини уларнинг бобокалони Ҳорун томонидан белгиланган кўрсатмалар асосида бажариши лозим эди. Бу кўрсатмаларни Ҳорунга Исроил халқининг Худоси — Эгамиз берган эди.

Леви уруғбошиларининг рўйхати

20 Левидан бино бўлган бошқа уруғбошилар қуйидагилар эди:

Имром наслидан — Шавувол*,
Шавувол наслидан — Ёхидаё,
21 Рахавиё наслидан — йўлбошчи Ишшиё,
22 Изхор наслидан — Шалумит*,
Шалумит наслидан — Яхат,
23 Хеврон наслидан — тўнғичи Ёриё, иккинчиси — Эмориё*, учинчиси — Яхазиёл ва тўртинчиси — Ёхамом,
24 Узиёл наслидан — Михо,
Михо наслидан — Шомир,
25 Михонинг укаси — Ишшиё,
Ишшиё наслидан — Закариё,
26-27 Марори наслидан — Махли, Муши ва Язиё,
Язиё наслидан — Шўҳам, Заккур ва Ибри,
28-29 Махли наслидан — Элазар ва Киш. Элазарнинг ўғиллари йўқ эди.
Киш наслидан — Ярахмал*,
30 Муши наслидан — Махли, Эдер ва Яримўт.

Леви насли, уруғлари бўйича, ана шулардан иборат эди.
31 Улар ҳам Ҳорун насли сингари, қуръа ташлаб, бажарадиган вазифаларини аниқлаб олган эдилар. Шоҳ Довуд, Зодўх, Охималек, руҳоний ва леви хонадонларининг уруғбошилари бунга шоҳид эдилар. Катта ўғил хонадони, кичик ўғил хонадони қатори, қуръа ташлади.

25–БОБ

Маъбад созандалари ва уларнинг вазифалари

1 Довуд билан леви йўлбошчилари левиларнинг Осиф, Хаман ва Ёдутун уруғларини созандалар қилиб тайинладилар. Уларнинг вазифаси лира, арфа ва зиллар чалиб, башорат қилиш эди. Созандаларнинг рўйхати ва уларнинг бажарадиган вазифаси қуйидагича эди:

2 Осифнинг тўрт ўғли Заккур, Юсуф, Натаниё ва Осорилах отасининг раҳбарлиги остида бўлиб, шоҳнинг буйруғи билан башорат қилишар эди.
3 Ёдутуннинг олти ўғли Гадалиё, Зари, Ешаё, Шимах*, Хашавиё ва

Маттитиё отасининг раҳбарлиги остида бўлиб, улар лира жўрлигида
башорат қилишар, Эгамизга шукроналар ва ҳамду санолар айтишар эди.
4 Хаманнинг Буккиёх, Маттаниё, Узиёл, Шавувол, Яримўт, Хананиё,
Хонин, Элиота, Гидалти, Ромамтизер, Ёшбахаша, Малўти, Хўтир ва
Махазийўт исмли ўн тўртта ўғли бор эди. 5 Буларнинг ҳаммаси шоҳ
хизматида бўлган валий Хаманнинг ўғиллари эдилар. Худо Ўз ваъдасига
биноан, Хаманни сийлаб, унга ўн тўртта ўғил берган эди. Унинг уч қизи ҳам
бор эди. 6 Ўғилларнинг ҳаммаси отасининг раҳбарлиги остида зил, арфа ва
лираларни чалиб, Эгамизнинг уйида созанда бўлиб хизмат қилишар эди.
Осиф, Ёдутун ва Хаман бевосита шоҳнинг буйруқларига бўйсунишарди.

7-9 Бу созандалар қариндошлари билан бирга 288 кишини ташкил қилиб,
Эгамизнинг ҳузурида юксак маҳорат билан мусиқа чалишар эди. Улар
хонадонларига кўра, 24 гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳ 12 кишидан ташкил
топган бўлиб, бир раҳбарга эга эди. Уларнинг ҳаммаси — ёшу қари, устозу шогирд
ўз вазифаларини билиб олиш учун қуръа ташлашди*.

Биринчи қуръа Осиф хонадонидаги Юсуф ва унинг гуруҳига тушди.
Иккинчи қуръа Гадалиё ва унинг гуруҳига тушди.
10 Учинчи қуръа Заккур ва унинг гуруҳига тушди.
11 Тўртинчи қуръа Зари* ва унинг гуруҳига тушди.
12 Бешинчи қуръа Натаниё ва унинг гуруҳига тушди.
13 Олтинчи қуръа Буккиёх ва унинг гуруҳига тушди.
14 Еттинчи қуръа Осорилах* ва унинг гуруҳига тушди.
15 Саккизинчи қуръа Ешаё ва унинг гуруҳига тушди.
16 Тўққизинчи қуръа Маттаниё ва унинг гуруҳига тушди.
17 Ўнинчи қуръа Шимах ва унинг гуруҳига тушди.
18 Ўн биринчи қуръа Узиёл* ва унинг гуруҳига тушди.
19 Ўн иккинчи қуръа Хашавиё ва унинг гуруҳига тушди.
20 Ўн учинчи қуръа Шавувол* ва унинг гуруҳига тушди.
21 Ўн тўртинчи қуръа Маттитиё ва унинг гуруҳига тушди.
22 Ўн бешинчи қуръа Яримўт ва унинг гуруҳига тушди.
23 Ўн олтинчи қуръа Хананиё ва унинг гуруҳига тушди.
24 Ўн еттинчи қуръа Ёшбахаша ва унинг гуруҳига тушди.
25 Ўн саккизинчи қуръа Хонин ва унинг гуруҳига тушди.
26 Ўн тўққизинчи қуръа Малўти ва унинг гуруҳига тушди.
27 Йигирманчи қуръа Элиота ва унинг гуруҳига тушди.
28 Йигирма биринчи қуръа Хўтир ва унинг гуруҳига тушди.
29 Йигирма иккинчи қуръа Гидалти ва унинг гуруҳига тушди.
30 Йигирма учинчи қуръа Махазийўт ва унинг гуруҳига тушди.
31 Йигирма тўртинчи қуръа Ромамтизер ва унинг гуруҳига тушди.

26–БОБ

Маъбад дарвозабонлари ва уларнинг вазифалари

1 Маъбад дарвозасида хизмат қилиш учун қуйидаги левилар тайинланган эди:

Кўрах наслидаги Осиф хонадонидан — Кори ўғли Машалмиё.
2 Машалмиёнинг етти ўғли бор эди: тўнғичи — Закариё, иккинчиси —
Ёдиёл, учинчиси — Забадиё, тўртинчиси — Ятниёл, 3 бешинчиси — Элам,

олтинчиси — Ёҳуханон ва еттинчиси — Элихўнай.
4-5 Худо Обидадомни баракалаб, унга саккиз ўғил берган эди: тўнғич
ўғли — Шамаё, иккинчиси — Ёҳузабад, учинчиси — Йўх, тўртинчиси —
Сохор, бешинчиси — Натанил, олтинчиси — Омиёл, еттинчиси — Иссахор
ва саккизинчиси — Фуллатай.
6 Обидадомнинг тўнғичи Шамаёнинг ҳам ўғиллари бор эди. Улар
ниҳоятда қобилиятли бўлганлари учун ўзларининг ота хонадонида
уруғбошилар эдилар. 7 Уларнинг исмлари Ўтнах, Рафаил, Обид ва Элзабад
эди. Шамаёнинг қариндошлари Элиху билан Самахиё ҳам ниҳоятда
қобилиятли эдилар. 8 Обидадомнинг бу авлоди жами олтмиш икки кишини
ташкил қилиб, ҳаммаси қобилиятли, ўз хизматига лаёқатли эдилар.
9 Машалмиёнинг ўғиллари ва ака–укалари ўн саккиз кишини ташкил
қилиб, ҳаммаси қобилиятли эдилар.
10 Марори наслидан бўлган Хўсахнинг тўрт ўғли бор эди. Унинг Шимри
деган ўғли йўлбошчи эди. Шимри тўнғич ўғил бўлмаса ҳам, отаси уни
йўлбошчи қилган эди. 11 Хўсахнинг иккинчи ўғли — Хилқиё, учинчиси —
Тавалиё ва тўртинчиси Закариё эди. Хўсах хонадонининг ўн уч аъзоси
Маъбад дарвозабонлари бўлиб хизмат қилар эдилар.

12 Дарвозабонлар хонадонлари бўйича гуруҳларга бўлинган эдилар. Улар
Эгамизнинг уйида хизмат қилаётган бошқа левилар сингари ўз вазифаларига эга
эдилар. 13 Ҳар бир хонадон катта–кичиклигига қарамай қуръа ташлаб*,
қўриқлайдиган дарвозасини аниқлаб олди.
14 Шарқ томондаги дарвоза учун қуръа ташланганда, қуръа Машалмиёга*
тушди. Сўнгра ўғли Закариё учун қуръа ташланди, унга шимол томондаги
дарвоза тушди. Закариё доно маслаҳатчи эди. 15 Обидадом учун қуръа
ташланганда, унга жануб томондаги дарвоза тушди. Ўғиллари учун қуръа
ташланганда, уларга омборхонани қўриқлаш тушди. 16 Ғарб томондаги дарвоза ва
юқори йўл устидаги Шаллехет дарвозаси учун қуръа ташланганда, қуръа Шупим
билан Хўсахга тушди. Дарвозабонлар ўз хизматини белгиланган вақтда,
кетма–кетликда узлуксиз равишда бажаришлари лозим эди. 17 Шарқ томондаги
дарвозада кунига олтита дарвозабон, шимол томондаги дарвозада тўртта, жануб
томондаги дарвозада ҳам тўртта дарвозабон турарди. Шунингдек, иккита
омборхонада иккитадан дарвозабон турарди. 18 Ғарб томондаги ҳовлига келсак,
йўлакда тўртта дарвозабон, ҳовлининг ичида эса иккита дарвозабон турарди.
19 Кўрах ва Марори наслидан бўлган дарвозабонларга мана шу қўриқчилик
вазифаси топширилган эди.

Бошқа левилар ва уларнинг вазифалари

20 Охиё бошчилигидаги бошқа левилар* Худонинг уйидаги хазиналар ва назр
қилинган ҳадялар хазиналари учун масъул эдилар. 21 Гершон уруғидан бўлган
Лубнах* Ёхиёлнинг отаси эди. Лубнахнинг наслидан бир неча уруғбошилар
чиқди. 22 Ёхиёлнинг ўғиллари Затом билан Йўэл Эгамизнинг уйидаги хазиналар
учун масъул эдилар.
23 Имром, Изхор, Хеврон ва Узиёл уруғларига ҳам вазифалар тақсимланиб
берилди.
24 Мусо ўғли Гершомнинг уруғидан Шавувол Маъбаднинг бош хазинабони эди.
25 Гершомнинг укаси Элиазарнинг насли қуйидагилар эди: Элиазарнинг ўғли —
Рахавиё, Рахавиёнинг ўғли — Ешаё, Ешаёнинг ўғли — Ёрам, Ёрамнинг ўғли —
Зихри ва Зихрининг ўғли — Шалумўт. 26 Шалумўт ва унинг хонадони Эгамизга

назр қилинган ҳадялар хазинаси учун масъул эди. Бу хазинада шоҳ Довуд, уруғбошилар, мингбошилар, юзбошилар ва лашкарбошилар Худога назр қилган ҳадялар сақланар эди. 27 Улар жангда қўлга киритган ўлжанинг бир қисмини Эгамизнинг уйини таъминлаш учун назр қилардилар. 28 Шалумўт ва унинг хонадони барча ҳадялар учун масъул эдилар. Валий Шомуил, Киш ўғли Шоул, Нар ўғли Абнур ва Зеруя ўғли Йўаб назр қилган ҳадялар ҳам уларнинг назорати остида эди.

29 Изхор наслидан Хонаниё ва унинг ўғиллари Исроил халқи учун маъмурлар ва ҳакамлар қилиб тайинландилар. Улар Маъбаддан ташқарида хизмат қилишарди.

30 Хеврон наслидан Хашавиё ва унинг 1700 нафар қобилиятли қариндоши ҳам маъмурлар қилиб тайинландилар. Улар Иордан дарёсининг ғарб томонидаги қабилалар учун масъул бўлиб, Эгамизнинг ва шоҳнинг хизматига оид масалаларни ечишар эди. 31 Хеврон наслидаги Ёриё, насабнома маълумотига кўра, Хеврон наслининг йўлбошчиси эди. Довуд ҳукмронлигининг қирқинчи йилида насабномаларга оид барча ёзма маълумотлар кўриб чиқилган эди. Шунда Гиладдаги Язир шаҳрида Хеврон насли орасида қобилиятли одамлар борлиги аниқланди. 32 Шоҳ Довуд Ёриёни ва унинг 2700 нафар қобилиятли қариндошини маъмурлар қилиб тайинлади. Улар Иордан дарёсининг шарқ томонидаги Рубен, Гад ва Манаше қабиласининг ярми учун масъул бўлиб, Худонинг ва шоҳнинг хизматига оид барча масалаларни ҳал қилишлари керак эди.

27–БОБ

Исроилдаги ҳарбий тузум

1 Қуйида Исроил халқининг уруғбошилари, мингбошилари ва юзбошиларининг, шунингдек, уларнинг сардорлари рўйхати берилган. Бу сардорлар шоҳнинг хизматида бўлиб, ҳар йили бир ой давомида вазифасини ўтаётган ҳарбий қисмлар учун масъул эдилар. Ҳар бир қисм 24.000 одамдан ташкил топган эди.

2 Биринчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Забдиёл ўғли Ёшувам
эди. 3 Ёшувам Параз наслидан эди.
4 Иккинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Охўва уруғидан
бўлган Дўдў эди. Дўдўнинг ўнг қўл ёрдамчиси Михлўт эди.
5 Учинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Бинаё эди. У руҳоний
Ёҳайидонинг ўғли бўлиб, 6 “Ўттиз қаҳрамон” орасидаги баҳодир
жангчилардан бири эди. “Ўттиз қаҳрамон”нинг сардори ҳам ана шу
Бинаё* эди. Бинаёнинг ўғли Омизабод қисмнинг бош қўмондони эди.
7 Тўртинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Йўабнинг укаси
Осойил эди. Осойилдан кейин ўғли Забадиё отасининг ўрнини эгаллади.
8 Бешинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Шамҳут эди. У Йизро
уруғидан эди.
9 Олтинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Тахувалик Ихеш ўғли
Эро эди.
10 Еттинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Палонлик Халез эди.
У Эфрайим қабиласидан эди.
11 Саккизинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Хушалик Сибахай
эди. Сибахай Зерах уруғидан эди.

12 Тўққизинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Онотўтлик
Абуазар эди. Абуазар Бенямин қабиласидан эди.
13 Ўнинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Натуфолик Махрай
эди. Махрай Зерах уруғидан эди.
14 Ўн биринчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Пиратонлик Бинаё
эди. Бинаё Эфрайим қабиласидан эди.
15 Ўн иккинчи ойда хизмат қиладиган қисмнинг сардори Натуфолик Халед*
эди. Халед Ўтниёл уруғидан эди.

Исроил қабилаларининг йўлбошчилари

16 Исроил қабилаларининг йўлбошчилари қуйидагилар эди:

Рубен қабиласининг йўлбошчиси — Зихри ўғли Элиазар,
Шимўн қабиласининг йўлбошчиси — Махо ўғли Шафатиё,
17 Леви қабиласининг йўлбошчиси — Камувол ўғли Хашавиё,
Ҳорун наслининг йўлбошчиси — Зодўх,
18 Яҳудо қабиласининг йўлбошчиси — Довуднинг акаси Элиху,
Иссахор қабиласининг йўлбошчиси — Микойил ўғли Омри,
19 Забулун қабиласининг йўлбошчиси — Ободиё ўғли Йишмаё,
Нафтали қабиласининг йўлбошчиси — Озриёл ўғли Яримўт,
20 Эфрайим қабиласининг йўлбошчиси — Озазиё ўғли Хўшея,
Ғарбдаги Манаше қабиласининг ярмига йўлбошчи — Подиё ўғли Йўэл,
21 Гиладдаги Манаше қабиласининг ярмига* йўлбошчи — Закариё ўғли
Эддо,
Бенямин қабиласининг йўлбошчиси — Абнур ўғли Ясиёл,
22 Дан қабиласининг йўлбошчиси — Ерохам ўғли Озариёл.

Исроил қабилаларининг йўлбошчилари ана шулардан иборат эди.
23 Довуд Исроил халқини санаб чиққанда, йигирма ёшдан пастини рўйхатга
киритмаган эди, чунки Эгамиз: “Исроил халқини осмондаги юлдузлар каби
кўпайтираман”, деб ваъда берган эди. 24 Зеруя ўғли Йўаб халқни санашни
бошлаганди–ю, лекин охирига етказмаганди*. Халқ саналгани учун Эгамиз
Исроилга ғазабини сочганди*. Шу сабабдан бу саноқнинг натижаси шоҳ
Довуднинг йилномасига киритилмади.

Шоҳ мулкини бошқарувчилар

25 Одил ўғли Озмобит сарой хазинабони эди.
Уззиё ўғли Йўнатан эса қолган ҳамма ердаги — шаҳарлардаги,
қишлоқлардаги ва қалъалардаги хазиналар учун масъул эди.
26 Халуб ўғли Эзри ерга ишлов берадиган деҳқонлар учун масъул эди.
27 Рамалик Шимах узумзорлар учун масъул эди.
Шафомлик Забди шароб омборлари учун масъул эди.
28 Гедерлик Баалханон Яҳудо қир этакларидаги зайтунзорлар ва
шикамора–анжирзорлар* учун масъул эди.
Йўш зайтун мойи омборлари учун масъул эди.
29 Шаронлик Шитрай Шарон текислигида боқиладиган подалар учун
масъул эди.
Адлай ўғли Шофот водийларда боқиладиган подалар учун масъул эди.
30 Исмоил уруғидан Обил туя подалари учун масъул эди.
Миронўтлик Ёхидаё эшак подалари учун масъул эди.
31 Ҳожар уруғидан Ёзиз қўй сурувлари учун масъул эди.

Ана шуларнинг ҳаммаси шоҳ Довуд мулкини назорат қилар эдилар.

Довуднинг шахсий маслаҳатчилари

32 Довуднинг амакиси Йўнатан донишманд одам бўлиб, маслаҳатчи ва
тафсирчи эди. Хахмўн ўғли Ёхиёл шоҳ ўғилларининг мураббийси эди. 33 Охитофел
шоҳнинг маслаҳатчиси эди. Орух уруғидан Хушай шоҳнинг дўсти эди.
34 Охитофелдан кейин унинг ўрнига Бинаё ўғли Ёҳайидо ва Абуатар маслаҳатчи
бўлди. Йўаб шоҳ қўшинининг лашкарбошиси эди.

28–БОБ

Довуд Маъбадни қуриш учун кўрсатма беради

1 Довуд Исроилдаги ҳамма аъёнларни — қабила йўлбошчиларини, шоҳга
хизмат қиладиган ҳарбий қисмлар сардорларини, мингбошиларни,
юзбошиларни, шоҳ ва шаҳзодалар мулкини ва подаларини бошқарувчиларни,
сарой аъёнларини, баҳодир паҳлавонларни ва бошқа ҳамма жангчиларни
Қуддусда тўплади.
2 Шоҳ Довуд уларнинг олдида туриб, гапирди:

“Биродарларим, халқим, гапимни эшитинглар! Мен Худонинг оёқ
курсиси бўлмиш Эгамизнинг Аҳд сандиғи* учун бир оромгоҳ қурмоқчи
эдим. Қурилиш учун ҳамма тайёргарликни ҳам кўриб қўйган эдим. 3 Лекин
Худо: «Менга атаб уйни сен қурмайсан, сен жанг қилиб, кўп қон тўкдинг»,
— деди.
4 Ваҳоланки, Исроил халқининг Худоси — Эгамиз бутун отам
хонадонидан мени танлаб олди. Мени то абад Исроилнинг шоҳи қилди. У
Яҳудо қабиласини етакчи қилиб танлади, Яҳудо қабиласидан эса отамнинг
хонадонини раво кўрди, отамнинг ўғиллари орасидан эса мени мамнуният
ила бутун Исроил устидан шоҳ қилди. 5 Эгамиз менга кўп ўғиллар берди,
ҳамма ўғилларим орасидан Исроил шоҳи қилиб Сулаймонни танлади. Ҳа,
Эгамизнинг шоҳлиги тахтига у ўтиради. 6 Эгамиз менга айтди: «Мен учун
уйни ва ҳовлиларни қурадиган ўғлинг Сулаймондир. Мен уни Ўзимга ўғил
қилиб танладим, Мен унга ота бўламан. 7 Агар у бугунгидай, Менинг
амрларимү қонунларимга қатъият билан риоя қилиб юрса, унинг тахтини
то абад мустаҳкам қиламан.»
8 Шунинг учун энди Эгамизнинг жамоаси Исроил халқининг кўзи
ўнгида ва Худойимизнинг гувоҳлигида сизларга айтайин: Эгангиз
Худонинг амрларини битта қолдирмай бажаринг. Ана шунда сизлар мана
шу ҳосилдор юртга эгалик қиласизлар, болаларингизга ҳам уни абадий
мерос қилиб қолдирасизлар.
9 Энди Сулаймон ўғлим, отангнинг Худосини тан олгин, бутун онгинг
билан сидқидилдан Унга хизмат қилгин. Зотан, Эгамиз ҳар бир инсоннинг
юрагини синайди, нияту фикрларимизни У билади. Агар Уни изласанг,
топасан. Агар Уни тарк этсанг, У ҳам сени абадий ташлаб кетади. 10 Гапимга
қулоқ сол! Маъбад қуриш учун Эгамиз сени танлаган экан, қани, дадил
бўлиб, ишга бел боғла!”

11 Довуд Маъбад биноларининг, омборхоналарининг, бошқа хоналарининг ва
Энг муқаддас хонанинг, яъни гуноҳдан поклаш жойининг чизма лойиҳаларини

ўғли Сулаймонга берди. 12 Шунингдек, Довуд Эгамиз уйининг ҳовлилари ва
атрофидаги хоналари, Худо уйининг хазиналари ва назр қилинган ҳадялар
сақланадиган хоналари учун кўнглидаги ниятларини* айтди. 13 Руҳонийлар ва
левиларнинг тузумига, уларнинг Эгамизнинг уйида қилинадиган барча
хизматларига ва хизмат пайтида фойдаланиладиган барча ашёларга оид
кўрсатмалар берди. 14 Хизматда ишлатиладиган қуйидаги идиш ва жиҳозларни
ясаш учун олтин ва кумуш вазнини белгилаб берди: 15 мойчироқлар ва
чироқпоялар, 16 муқаддас нонлар қўйиладиган олтин хонтахта, кумуш
хонтахталар, 17 санчқилар, тоғорачалар, кўзалар, жомлар ва 18 тутатқи
қурбонгоҳи. Бундан ташқари, олтин араванинг, яъни қанотларини ёйиб,
Эгамизнинг Аҳд сандиғини қоплаб турган олтин карубларнинг лойиҳасини* ҳам
Сулаймонга берди.
19-20 Сўнгра Довуд ўғли Сулаймонга шундай деди:
— Буларнинг ҳаммасини мен Эгамнинг бошчилигида ёздим, лойиҳанинг
икир–чикирларини Унинг Ўзи менга аён қилди. Дадил ва ботир бўл! Ишни бошла!
Қўрқма, ваҳимага тушма! Парвардигор Эгамиз — менинг Худойим сен билан
биргадир. Эгамизнинг уйидаги ишлар битмагунча, У сени ташлаб қўймайди, тарк
этмайди. 21 Мана, руҳонийлар ва левилар гуруҳлари Худонинг уйидаги ҳар қандай
хизматни қилишга тайёр бўлиб турибдилар. Моҳир ҳунармандлар сенга
бажонидил ёрдам берадилар. Бутун халқ ва уларнинг йўлбошчилари амрингга
мунтазирдирлар.

29–БОБ

Маъбад қурилиши учун ҳадялар

1 Шоҳ Довуд бутун жамоага шундай деди:

“Худо танлаган ўғлим Сулаймон ҳали ёш, тажрибасиз, қиладиган иши
эса улкандир, чунки бу Муқаддас кошона* инсон учун эмас, балки
Парвардигор Эгамиз учундир. 2 Худойимнинг уйини қуриш учун мен
қўлимдан келганича олтин, кумуш, бронза, темир, ёғоч, ақиқ тошлар, безак
учун фируза тошлар, ранго–ранг тошлар, ҳар хил қимматбаҳо тошлар ва
мармар йиғдим. 3 Энди эса, Худойимнинг уйига бўлган садоқатимни
кўрсатиб, буларга қўшимча қилган ҳолда шахсий хазинамдаги олтин ва
кумушни бераман. 4 Мен бераётган мана бу 6000 пуд* Офир* олтинини ва
14.000 пуд* тоза кумушни биноларнинг деворларини қоплаш учун 5 ҳамда
ҳунармандлар ясайдиган ашёлар учун ишлатинглар. Қани, яна ким бугун
Эгамизга ўз садоқатини кўрсатмоқчи? Ким Маъбаднинг қурилишига
назрлар бермоқчи?”

6 Шунда уруғбошилар, қабила йўлбошчилари, мингбошилар, юзбошилар ва
шоҳнинг аъёнлари кўнгилдан чиқариб назрлар бердилар. 7 Улар Худо уйининг
қурилиши учун 10.000 пуд* олтин, 10.000 олтин танга*, 20.000 пуд* кумуш, 36.000
пуд* бронза ва 200.000 пуд* темир назр қилдилар. 8 Кимда қимматбаҳо тошлар
бўлса, уларни Эгамизнинг уйи хазинасига бердилар. Хазинага Гершон наслидан
бўлган Ёхиёл масъул эди. 9 Одамлар йўлбошчиларнинг берган бу ҳадялари учун
севиндилар, чунки ҳаммалари кўнгилдан чиқариб берган бу назрларини
якдиллик билан Эгамизга келтирган эдилар. Шоҳ Довуд ҳам жуда хурсанд бўлди.

Довуд Худони мадҳ қилади

10 Довуд бутун жамоанинг кўзи олдида Эгамизга ҳамду сано ўқиди:

"Эй бобомиз Ёқубнинг* Худоси — Эгамиз! Сенга то абад ҳамду санолар
бўлсин! 11 Эй Эгамиз! Сен буюк, қудратли, шуҳратли, салобатли ва
улуғдирсан. Зотан, еру осмондаги барча нарса Сеникидир. Эй Эгамиз! Сен
Шоҳсан. Сен ҳар нарсадан юксаксан. 12 Бойлик ва шон–шарафнинг манбаи
Сенсан. Ҳа, Сен ҳамма нарса устидан ҳукмронсан. Куч–қудрат эгаси
Ўзингсан. Одамларни юксалтирадиган, уларга куч берадиган Сенсан.
13 Энди, эй Худойимиз, биз Сенга шукурлар айтамиз, Сенинг улуғ номингни
мадҳ қиламиз.
14 Лекин мен ким бўлибман, менинг халқим нима бўлибдики, биз
кўнгилдан чиқариб Сенга назр бера оладиган бўлсак? Ахир, ҳамма нарса
Сендан келган! Биз бугун бор–йўғи Сенинг нарсангни Ўзингга қайтариб
бердик, холос. 15 Биз Сенинг олдингда, ота–боболаримиз сингари мусофиру
меҳмонмиз. Бизнинг умримиз соядай изсиз ўтиб кетади. 16 Эй Эгамиз Худо!
Биз Сенинг муқаддас исмингга атаб уй барпо қилиш учун йиққан мана шу
бойликларнинг ҳаммаси Сендан келган. Ҳа, ҳаммаси Ўзингникидир. 17 Эй
Худойим! Биламан, Сен юракни синайсан, солиҳ одамдан хушнуд бўласан.
Мана шу назрларни мен Сенга чин дилдан, кўнглимдан чиқариб бердим.
Ҳозир эса шу ерда турган халқинг ҳам назрларини Сенга хурсандчилик
билан атаганини кўрдим. 18 Эй ота–боболаримиз Иброҳим, Исҳоқ ва
Ёқубнинг Худоси — Эгамиз! Халқингнинг юрагидаги бу ният
мақсадларини то абад сақла, уларнинг юрагини Ўзингга бур. 19 Ўғлим
Сулаймон Сенинг амрларингга, шартларингга ва қонунларингга риоя қила
олиши учун ва мен ҳозирлигини кўриб қўйган Муқаддас кошонани қура
олиши учун унга кучли истак ато қилгин."

20 Шундан кейин Довуд бутун жамоага: "Энгангиз Худони олқишланг!" деди.
Улар ота–боболарининг Худоси — Эгамизни олқишладилар. Унга таъзим қилиб,
Эгамиз ва шоҳнинг олдида мук тушдилар.
21 Эртаси куни улар мингта буқа, мингта қўчқор ва мингта қўзини Эгамизга
куйдириладиган қурбонлик қилдилар. Булар билан бирга шароб назрларини ва
бутун Исроил халқи учун бир талай бошқа қурбонликларни келтирдилар. 22 Ўша
куни жамики Исроил халқи катта хурсандчилик билан Эгамиз ҳузурида еб–ичди.
Улар Довуд ўғли Сулаймонни иккинчи марта* шоҳ деб эълон қилдилар. Сўнг
Сулаймон ва Зодўхнинг бошларига мой суртиб, Сулаймонни Эгамизнинг
шаҳзодаси, Зодўхни эса руҳоний қилиб тайинладилар. 23 Сулаймон Эгамизнинг
тахтига ўтириб, отаси Довуднинг ўрнига шоҳ бўлди. У катта муваффақиятга
эришди, бутун Исроил халқи унга итоат қилар эди. 24 Барча йўлбошчилар,
баҳодир жангчилар ва шоҳ Довуднинг ҳамма ўғиллари шоҳ Сулаймонга содиқ
бўлишга сўз бердилар. 25 Эгамиз Сулаймонни шу қадар юксалтирдики, бутун
Исроил халқи уни ниҳоятда иззат қиладиган бўлди. Дарҳақиқат, Сулаймондан
олдин ҳеч қандай шоҳ Исроилда бундай дабдабали шуҳратга эришмаган эди.

Довуд ҳукмронлигининг сўнгги пайтлари

26 Эссай ўғли Довуд бутун Исроил устидан шоҳ бўлганди. 27 У Исроилда қирқ
йил шоҳлик қилди: шундан етти йили Хевронда, ўттиз уч йили Қуддусда ўтди.
28 Довуд давлату шуҳрат орттирди. Ёшини яшаб, ошини ошаб, оламдан ўтди.
Ўрнига ўғли Сулаймон шоҳ бўлди.

29 Шоҳ Довуднинг бутун фаолияти бошдан охиригача валий Шомуилнинг,
Натан пайғамбарнинг ва валий Гаднинг қўлёзмаларида баён этилган.
30 Довуднинг ҳукмронлиги даврида кўрсатган қаҳрамонликлари, Исроил
халқининг ва ўзининг бошидан кечирган воқеалар ҳамда атрофдаги
шоҳликларда юз берган ҳодисалар ўша китобларга киритилган.

ИЗОҲЛАР

1:3 *Ханўх* — шарқ ёзма адабиётида Идрис пайғамбар деб эътироф этилган.

1:4 *...ва Нуҳ. Нуҳнинг Сом, Хом ва Ёфас деган уч ўғли бор эди* — қадимий юнонча таржимадан (яна Ибтидо 6:10 га қаранг). Ибронийча матнда *...Нуҳ, Сом, Хом ва Ёфас*.

1:6 *Рифат* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Дифат*. Унинг Рифат деган шакли Ибтидо 10:3 дан олинган.

1:8 *Куш* — Мисрдан жанубда ўрнашган халқнинг бобокалони эди. Ибронийча матндаги бу сўз одатда *Ҳабашистон* деб таржима қилинади. Қадимги Ҳабашистон ҳудуди ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг баъзи қисмларини ўз ичига олган.

1:8 *Мизра* — Миср халқининг бобокалони эди. Ибронийча матндаги бу сўз одатда Миср деб таржима қилинади.

1:12 *Каслувдан Филист халқи келиб чиқди* — ибронийча матндан. Эски Аҳднинг баъзи жойларида, Филист халқи Хафтўрдан келиб чиққан, деб ёзилган (Еремиё 47:4, Амос 9:7 га қаранг). Шу боис, баъзи таржималарда Каслув ўрнига Хафтўр сўзи ишлатилиб *Хафтўрдан Филист халқи келиб чиқди* деб айтилган. Оятдан кўриниб турибдики, Каслув ва Хафтўр қондош халқлар бўлган. Филистлар Каслув халқи истиқомат қилган ерлардан келиб чиқиб, кейинчалик Хафтўрда, яъни ҳозирги Крит оролида ўрнашган бўлишлари мумкин. Каслув халқи ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган.

1:17 *...Орам ва улардан келиб чиққан халқлар. Орам насли: Уз, Хул, Гетер, Мешех...* — битта иброний қўлёзмасидан ва қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна Ибтидо 10:23 га қаранг). Ибронийча матнда *...Орам, Уз, Хул, Гетер, Мешех...*.

1:18 *Ибир* — эҳтимол, *иброний* сўзи шу сўздан ҳосил бўлган. *Иброний* сўзи миллат маъносида дастлаб Иброҳимга ва унинг наслига нисбатан қўлланилган (Ибтидо 10:21, 14:13, 39:14,17, 40:15, 41:12 ва 43:32 га қаранг).

1:19 *...Палах...даврида дунё бўлиниб кетди* — ибронийчада Палах исмининг маъноси — *бўлиниб кетди*. Бу гапда Худо инсониятни турли миллат ва тилларга бўлгани, уларни бутун ер юзи бўйлаб тарқатиб юборгани назарда тутилган бўлиши мумкин (Ибтидо 11:1-9 га қаранг). *Палах* сўзининг ўзаги бўлган ибронийча феъл Забур 54:10 да ишлатилган. Ўша оятда сано ижодкори Худодан душманларнинг гапини чалкаштиришни (яъни бўлиб ташлашни) сўраган.

1:22 *Обал* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Эбал*. Унинг Обал деган шакли Ибтидо 10:28 дан олинган.

1:32 *чўри* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: чўри бўлган аёллар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

1:34 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

1:36 *Зафў* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Зафи*. Унинг Зафў деган шакли Ибтидо 36:11 дан олинган.

1:36 *...ва Тимна исмли чўриси туққан ўғли Омолек* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна Ибтидо 36:12 га қаранг). Ибронийча матнда *...Тимно ва Омолек*.

1:38 *Сеир* — Эдом халқининг бобокалони (Ибтидо 36:20-21 га қаранг). Бу халқ Ўлик денгизнинг жанубида ўрнашган. Эдом юртининг яна бир номи Сеир эди.

1:40 *Шафо* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шафи*. Унинг Шафо деган шакли Ибтидо 36:23 дан олинган.

1:41 *Хамдон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Хамрон*. Унинг Хамдон деган шакли Ибтидо 36:26 дан олинган.

1:42 *Оқон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Яқон*. Унинг Оқон деган шакли Ибтидо 36:27 дан олинган.

1:48 *Фурот дарёси* — ибронийча матнда *дарё*, Фурот дарёси назарда тутилган бўлиши мумкин.

1:50 *Поғу* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Поғий*. Унинг Поғу деган шакли Ибтидо 36:39 дан олинган.

1:51 *Элво* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Элиё*. Унинг Элво деган шакли Ибтидо 36:40 дан олинган.

2:1 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

2:3 *Ботшува* — ёки *Шуванинг қизи*.

2:6 *Дардах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Даро*. Унинг Дардах деган шакли 3 Шоҳлар 4:31 дан олинган.

2:7 *Охун* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Охор*. Унинг Охун деган шакли Ёшуа 7:1 дан олинган. Ибронийчада Охор исмининг маъноси — *кулфат* (Ёшуа 7:1-26 га қаранг).

2:9 *Холиб* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Халубай*. Унинг Холиб деган шакли шу бобнинг 18–оятидан олинган.

2:15 *...еттинчиси Довуд эди* — 1 Шоҳлар 16:10-13 да ёзилишича, Довуд Эссайнинг саккизинчи ўғли бўлиб, Шомуил пайғамбар Худонинг амрига кўра, унга мой суртган эди. Бу рўйхатда эса Эссайнинг фақат еттита ўғли қайд этилган. Етти рақами яҳудийлар маданиятида ҳурмат–эҳтиром рамзи бўлгани учун, бу рўйхатда Довуд еттинчи ўғил деб тилга олинган бўлиши мумкин.

2:23 *Ёвир шаҳарлари* — ибронийча матнда *Хавот–Ёвир*, маъноси *Ёвир шаҳарлари*.

2:24 *Хазрон вафот этгандан кейин...Улар Ашхур исмли ўғил кўрдилар* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Хазрон Холиб–Эфрата шаҳрида вафот этгандан кейин, унинг хотини Абиё Ашхур исмли бир ўғилни туғди*. Яна шу бобнинг 19 ва 50–оятларига қаранг, бу оятларда Эфрата деган исм Холибнинг хотинига нисбатан ишлатилган.

2:24 *Ашхур Тахува шаҳрига асос солди* — ибронийча матнда *Ашхур Тахуванинг отаси бўлди*. Ибронийча матнда шу бобнинг бир нечта жойида “отаси бўлди” деган ибронийча иборани *шаҳарга асос солди* деб таржима қилса ҳам бўлади.

2:31 *Охлай* — Шашоннинг қизи (шу бобнинг 34–оятига қаранг).

2:46 *чўри* — 1:32 изоҳига қаранг.

2:48 *чўри* — 1:32 изоҳига қаранг.

2:49 *асос солди* — шу бобнинг 24–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг. *Асос солди* ва *асосчиси* деган сўзлар шу бобнинг 50, 51, 52, 54–оятларида ҳам бор.

2:55 *котибларнинг уруғлари* — ёки *Сўфарим уруғлари*.

2:55 *Хаммат Рахав уруғининг бобокалони эди* — ёки *Хаммат Байтрахавнинг отаси эди*.

3:5 *Шаммува* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шимо*. Унинг Шаммува деган шакли 14:4 дан олинган (яна 2 Шоҳлар 5:14 га қаранг).

3:5 *Ботшева* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ботшува*.

3:6 *Элишува* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Элишама*. Унинг Элишува деган шакли 14:5 дан ва 2 Шоҳлар 5:15 дан олинган.

3:6 *Элфалат* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Элифалет*. Унинг Элфалат деган шакли 14:5 дан олинган.

3:9 *канизаклар* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: канизаклар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

3:11 *Ёҳурам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёрам*.

3:12 *Уззиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Озариё*.

3:15 *Ёҳухоз* — ибронийча матнда *Шаллум*, Ёҳухознинг яна бир исми (4 Шоҳлар 23:30 га қаранг).

3:16 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёхониё* (шу бобнинг 17–оятида ҳам бор).

3:17 *Бобилга асир қилиб олиб кетилган Ёҳайихин* — 4 Шоҳлар 24:10-15 га қаранг.

4:3-4 *Хурнинг авлодлари Байтлаҳм шаҳрига асос солдилар* — ибронийча матнда *Хур Байтлаҳмнинг отаси бўлди*. Ибронийча матнда шу бобнинг бир нечта жойида “отаси бўлди” деган ибронийча иборани *шаҳарга асос солди* деб таржима қилса ҳам бўлади.

4:5 *асос солган* — шу бобнинг 3-4–оятлари изоҳига қаранг.

4:9 *Ябиз* — бу исм ибронийчадаги *дард* сўзига оҳангдош.

4:12 *асос солди* — шу бобнинг 3-4–оятлари изоҳига қаранг. Шу бобнинг 14, 17-18–оятларида ҳам бор.

4:13 *...билан Миёнўтай...* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан, қадимий лотинча таржимадан. Ибронийча матнда бу сўзлар йўқ.

4:14 *Гай–Харошим* — ибронийчадаги маъноси *ҳунармандлар водийси*.

4:19 *Улардан...келиб чиқди* — ёки *Кейлах ва Эштамўва Хўдиёнинг авлодлари бўлиб, Кейлах Харм уруғидан, Эштамўва эса Махо уруғидан эди*.

4:22 *Улар...Байтлаҳм шаҳрига ўрнашиб олган эдилар* — ёки *Улар Мўаб ва Ёшувлаҳмда ҳукмронлик қилар эдилар*.

4:24 *Ямувол* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Намувол*. Унинг Ямувол деган шакли Ибтидо 46:10, Чиқиш 6:15 дан олинган.

4:24 *Зўхар* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Зерах*. Унинг Зўхар деган шакли Ибтидо 46:10, Чиқиш 6:15 дан олинган.

4:33 *Баалат* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Баал*.

4:42 *Сеир тоғлари* — Эдом юртига қарашли бўлган тоғли ерлар.

4:43 *бугунга қадар* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

5:1 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

5:1 *...у отасининг тўшагини булғагани учун...* — Ибтидо 35:22, 49:3-4 га қаранг.

5:1 *тўнғичлик ҳуқуқи* — қадимги Исроилда тўнғич ўғилга мероснинг катта қисми ва отасининг бутун хонадонини бошқариш ҳуқуқи берилар эди.

5:2 *...йўлбошчи унинг қабиласидан чиқди* — шоҳ Довуд назарда тутилган.

5:6 *Тиғлатпиласар* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Тиғлатпилнасар* (шу бобнинг 26–оятида ҳам бор). Тиғлатпиласар милоддан олдинги 745-727 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган. Шу бобнинг 26–оятига ва 4 Шоҳлар 15:29 га қаранг.

5:18 *Манаше қабиласи ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярми назарда тутилган (Ёшуа 13:8, 29-31 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган эди (Ёшуа 22:7 га қаранг).

5:22 *сургун* — шу бобнинг 26–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

5:26 *Шоҳ Тиғлатпиласар уларни...сургун қилди* — бу ҳодисалар тахминан милоддан олдинги 733 йилда рўй берган. Тиғлатпиласар милоддан олдинги 745-727 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

6:10 *Маъбад* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *уй*.

6:15 *Эгамиз шоҳ Навухадназар орқали Яҳудо ва Қуддус халқини сургун қилганда...* — 4 Шоҳлар 24:8-17, 25:1-21 га қаранг.

6:23 *Абуасаф* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Эбуасаф* (шу бобнинг 37–оятида ҳам бор). Унинг Абуасаф деган шакли Чиқиш 6:24 дан олинган.

6:27 *...Элқанадан Шомуил туғилди* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна шу бобнинг 28, 33-34–оятларига ва 1 Шоҳлар 1:19-20 га қаранг). Ибронийча матнда бу сўзлар йўқ.

6:32 *...Муқаддас чодирнинг олдида...* — ибронийча матнда *...Муқаддас чодир, Учрашув чодирининг олдида...*. Муқаддас чодир яна Учрашув чодири деб ҳам айтилади. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига қаранг.

6:38 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

6:54 *...қуръа бўйича...* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

6:57 *паноҳ шаҳар* — Саҳрода 35:9-15, Қонунлар 19:1-13, Ёшуа 20:1-9 га қаранг.

6:58 *Хўлун* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Хилен*. Унинг Хўлун деган шакли Ёшуа 21:15 дан олинган.

6:59 *Ойин* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Ошон*. Унинг Ойин деган шакли Ёшуа 21:16 дан олинган.

6:59 *Ютто* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан (яна Ёшуа 21:16 га қаранг). Ибронийча матнда бу ном йўқ.

6:60 *Гивон* — Ёшуа 21:17 дан олинган. Ибронийча матнда бу ном йўқ.

6:77 *Ёхнаём, Картах* — қадимий юнонча таржимадан (яна Ёшуа 21:34 га қаранг). Ибронийча матнда бу номлар йўқ.

6:78-79 *Яхаз* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Яхзо*.

7:13 *Шиллем* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шаллум*. Унинг Шиллем деган шакли Ибтидо 46:24 дан олинган (яна Саҳрода 26:49 га қаранг).

7:13 *Билхах* — Ёқубнинг хотини Роҳиланинг чўриси (Ибтидо 30:1-7, 46:23-25 га қаранг).

7:14-15 *чўри* — 1:32 изоҳига қаранг.

7:23 *Бариё* — бу исм ибронийчадаги *бахтсизлик* сўзига оҳангдош.

7:29 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

7:34 *Шўмер* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шамер*. Унинг Шўмер деган шакли шу бобнинг 32–оятидан олинган.

7:35 *Хўтам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Халем*. Унинг Хўтам деган шакли шу бобнинг 32–оятидан олинган.

8:29 *Явиёл* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 9:35 га қаранг). Ибронийча матнда бу исм йўқ.

8:29 *Явиёл Гивон шаҳрига асос солиб, ўша шаҳарда ўрнашди* — ибронийча матнда *Явиёл Гивоннинг отаси бўлди ва Гивон шаҳрида ўрнашди*. “Отаси бўлди” деган ибронийча иборани *шаҳарга асос солди* деб таржима қилса ҳам бўлади.

8:30 *Нар* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 9:36 га қаранг). Ибронийча матнда бу исм йўқ.

8:31 *Закариё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Закар*. Унинг Закариё деган шакли 9:37 дан олинган.

8:32 *Шимом* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шимох*. Унинг Шимом деган шакли 9:38 дан олинган.

8:33 *Ишбосит* — ибронийча матнда *Ишбаал*, Ишбоситнинг яна бир исми (2 Шоҳлар 2:8-10 га қаранг).

8:34 *Мефибосит* — ибронийча матнда *Марибаал*, Мефибоситнинг яна бир исми (2 Шоҳлар 4:4 га қаранг).

8:37 *Рафиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Рафах*. Унинг Рафиё деган шакли 9:43 дан олинган.

9:17-18 *...бугунгача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

9:19 *Абуасаф* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Эбуасаф*. Унинг Абуасаф деган шакли Чиқиш 6:24 дан олинган.

9:19 *Маъбад* — ибронийча матнда *чодир*, бу ўринда Маъбад назарда тутилган.

9:20 *Финхаз* — Саҳрода 25:1-13 га қаранг.

9:21 *Маъбад* — ибронийча матнда *Учрашув чодири*, бу ўринда Маъбад назарда тутилган.

9:31 *назр нонлари* — Левилар 2:4-7, 7:9 га қаранг.

9:32 *муқаддас нонлар* — бу нонлар Маъбадда Эгамизнинг ҳузурини акс эттирувчи тимсол бўлиб, Худо Исроил халқининг қудрати ва таъминловчиси эканлигидан дарак бериб турган. Нонлар Маъбаддаги махсус хонтахтага қўйилиб, ҳар Шаббат куни янги пиширилган нонлар билан алмаштириб турилган (Левилар 24:5-9 га қаранг).

9:35 *Явиёл Гивон шаҳрига асос солиб, ўша шаҳарда ўрнашди* — ибронийча матнда *Явиёл Гивоннинг отаси бўлди ва Гивон шаҳрида ўрнашди*. “Отаси бўлди” деган ибронийча иборани *шаҳарга асос солди* деб таржима қилса ҳам бўлади.

9:39 *Ишбосит* — ибронийча матнда *Ишбаал*, Ишбоситнинг яна бир исми (2 Шоҳлар 2:8-10 га қаранг).

9:40 *Мефибосит* — ибронийча матнда *Марибаал*, Мефибоситнинг яна бир исми (2 Шоҳлар 4:4 га қаранг).

9:41 *Охоз* — қадимий сурёнийча ва лотинча таржималардан (яна 8:35 га қаранг). Ибронийча матнда бу исм йўқ.

9:42 *Ёҳуваддо* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёрох*. Унинг Ёҳуваддо деган шакли 8:36 дан олинган.

10:1 *Гилбова тоғи* — Жалила кўлидан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган.

10:7 *Йизрил водийси* — Гилбова тоғидан шимоли–шарқда жойлашган.

10:10 *худо Дўғон* — Филист халқининг бош худоси (1 Шоҳлар 5:2 га қаранг).

10:11 *Ёбош* — 1 Шоҳлар 11:1-11 га қаранг.

10:12 *...етти кун рўза тутишди* — ўша даврдаги урф–одатларга кўра, етти кунлик рўза азадорликни билдирарди.

10:13 *...арвоҳ чақирувчига маслаҳат солган эди* — 1 Шоҳлар 28:3-25 га қаранг.

11:1 *Хеврон* — Қуддусдан қарийб 32 километр жануби–ғарбда жойлашган шаҳар.

11:5 *Сион қалъаси* — аслида Ёбус халқининг қалъаси, бу қалъа Қуддусдаги Сион тепалигида жойлашган эди.

11:8 *Қуддуснинг шарқ томонидаги Милло* — Қуддус шаҳри тепалик устида эди. Бу тепаликнинг шарқ томони ўпирилиб кетгани учун уни тузатиш шарт бўлган. Тепаликнинг ўпирилиб кетган жойи тупроқ билан тўлдирилган, кенгайтирилган ва мустаҳкамланган эди. Тепаликнинг бу қисми Милло деб аталарди.

11:11 *Уч* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 2 Шоҳлар 23:8 га қаранг). Ибронийча матнда *Ўттиз*. “Уч” ва “ўттиз” сўзлари ибронийчада деярли бир хил ёзилади.

11:11 *“Уч қаҳрамон”* — булар энг донгдор жангчилар гуруҳи эди. Улар машҳур “Ўттиз қаҳрамон” гуруҳининг махсус бир қисми бўлган.

11:15 *“Ўттиз қаҳрамон”* — машҳурликда иккинчи ўринда турган жангчилар гуруҳи.

11:15 *“Ўттиз қаҳрамон” гуруҳи таркибига кирган ўша учта қаҳрамон...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўттиздан учтаси*.... Баъзилар, матнда “Уч қаҳрамон”дан бошқа учта жангчига ишора қилинади, деб тушунадилар. Лекин шу бобдаги 19–оятнинг иккинчи қисмида берилган хулосада, 11-19–оятларда ўша учта жангчи тўғрисида сўз кетяпти, деган фикр

айтилади.

11:15 *...Адуллам ғори олдидаги қояга кетишди* — Довуд Шоулнинг таъқибидан қочиб юрган пайтда бу воқеа юз берган бўлиши мумкин (1 Шоҳлар 22:1-6 га қаранг).

11:15 *Рафа водийси* — Қуддусдан бир неча километр жануби–ғарбда жойлашган.

11:20 *Ўттиз* — қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *Уч*. "Уч" ва "ўттиз" сўзлари ибронийчада деярли бир хил ёзилади. Шу бобнинг 21–оятида ҳам бор.

11:22 *Мўаблик икки довюрак одам* — ёки *Мўабдаги иккита улкан шер* ёки *Мўаблик Ориёлнинг икки ўғли*.

11:23 *беш тирсак* — тахминан 2,3 метрга тўғри келади.

11:27 *Шаммох* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шаммўт*. Унинг Шаммох деган шакли 2 Шоҳлар 23:25 дан олинган.

11:29 *Залмон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Илай*. Унинг Залмон деган шакли 2 Шоҳлар 23:28 дан олинган.

11:32 *Абуалвон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Абил*. Унинг Абуалвон деган шакли 2 Шоҳлар 23:31 дан олинган.

11:33 *Бохурим* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Бахарум*. Унинг Бохурим деган шакли 2 Шоҳлар 23:31 дан олинган.

11:34 *Ёшон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Хошим*. Унинг Ёшон деган шакли 2 Шоҳлар 23:32-33 дан олинган.

11:35 *Шорор* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Сохор*. Унинг Шорор деган шакли 2 Шоҳлар 23:32-33 дан олинган.

11:37 *Парай* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Нарай*. Унинг Парай деган шакли 2 Шоҳлар 23:35 дан олинган.

12:1 *Бирмунча вақт олдин* — бу бобда баён қилинган воқеалар Довуд Исроил тахтига ўтиришидан олдин (11:1-9 га қаранг), Шоулдан қочиб юрган даврга тааллуқли.

12:1 *...Довуд шоҳ Шоулдан қочиб, Зихлах шаҳрида яшаб юрган пайтда...* — 1 Шоҳлар 27:1-6 га қаранг.

12:19 *Довуд Филистларга қўшилиб, Шоулга қарши урушга отланганда...* — 1 Шоҳлар 29:1-11 га қаранг.

12:23 *Хеврон* — 11:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

12:40 *...анжир қоқи, майиз...* — қадимги пайтларда одамлар анжир ва узумларни қуритгандан кейин, қоқиларни ҳовучларида қаттиқ сиқиб, думалоқ шакл берганлар. Шу тариқа қоқилар узоқ вақт сақланган ва кундалик истеъмол қилинадиган егулик бўлган.

13:2-3 *...биз Худойимизнинг Аҳд сандиғига эътиборсиз бўлиб келдик...* — ёки *...биз Худонинг иродасини билишга интилмадик...*.

13:5 *Хират–Йўрим* — Қуддусдан 15 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар. Филистлар жангда Аҳд сандиғини ўлжа қилиб олган эдилар. Улар Аҳд сандиғини Исроил халқига қайтариб юборгандан кейин, Сандиқ Хират–Йўримга олиб келинганди (1 Шоҳлар 6:13-7:2 га қаранг).

13:5 *Лево–Хомат шаҳри* — ёки *Хомат довони*.

13:6 *икки каруб* — Аҳд сандиғининг қопқоғи устидаги қанотли самовий мавжудотлар ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

13:7 *Уззох билан Охё* — Абунадавнинг ўғиллари (2 Шоҳлар 6:3-4 га қаранг).

13:9 *Нохун* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Хидон*. Унинг Нохун деган шакли 2 Шоҳлар 6:6 дан олинган.

13:10 *...Уззох Аҳд сандиғига қўл узатгани учун...* — Аҳд сандиғи муқаддас бўлиб, Худо Ўз халқи орасида эканининг рамзи эди. Аҳд сандиғига қўл теккизиш қатъиян ман этилганди (Саҳрода 4:5-6, 15 га қаранг). Довуд Худонинг кўрсатмаларига риоя қилмай (Чиқиш 25:12-15 га қаранг), Аҳд сандиғини аравага орттирганди.

13:11 *"Параз–Уззох"* — ибронийчадаги маъноси *Уззохнинг жазоси*, яъни *Худо Уззохни урди*.

13:13 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

14:1 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

14:7 *Элёдах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Балёдо*. Унинг Элёдах деган шакли 3:8 дан ва 2 Шоҳлар 5:16 дан олинган.

14:9 *Рафа водийси* — Қуддусдан бир неча километр жануби–ғарбда жойлашган.

14:10 *...Худодан...деб сўради* — шоҳ бирор муҳим қарор чиқаришдан олдин, Худонинг хоҳишини билиш учун руҳонийларга мурожаат қиларди. Бундай ҳолларда руҳонийлар Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалардан фойдаланишарди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг. Худо Ўз хоҳиш–иродасини одамларга баъзан пайғамбарлар ёки тушлар орқали билдирган (1 Шоҳлар 14:36, 28:6 га қаранг).

14:11 *"Баал–Перазим"* — ибронийчадаги маъноси *тошқиндай босиб йўқ қилувчи худо*.

15:12 *...ўзларингизни ва леви биродарларингизни покланглар* — диний хизматни лозим даражада бажаришга монелик қиладиган нопокликдан тозаланиш маросими назарда тутилган.

15:13 *Олдинги сафар...Эгамиз Худо биздан қаттиқ ғазабланган эди* — 13:7-10 оятларга ва 13:10 изоҳига қаранг.

15:15 *...Эгамизнинг Мусо орқали берган амрига мувофиқ...* — Чиқиш 25:12-15, Саҳрода 4:5-6, 15 га қаранг.

15:18 *...Закариё, Язиёл...* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан (яна шу бобнинг 20–оятига қаранг). Ибронийча матнда *...Закариё, Бан, Язиёл...*.

15:20 *...арфаларни чалишлари керак эди* — ибронийча матнда *...аламўтга мувофиқ арфаларни чалишлари керак эди*. Ибронийчада "аламўт" сўзи мусиқий термин бўлиши мумкин.

15:27 *руҳонийларнинг муқаддас либоси* — ибронийча матнда *зиғир матосидан*

тикилган эфод, яъни руҳонийлар кийиб юрадиган либос.

15:29 *Михал* — Довуднинг хотинларидан бири (1 Шоҳлар 18:20-27 га қаранг).

16:3 *хурмо* — ёки *бир парча гўшт*.

16:3 *...бир ҳовучдан хурмо ва бир ҳовучдан майиз...* — қадимги пайтларда одамлар хурмо ва узумларни қуритгандан кейин, қоқиларни ҳовучларида қаттиқ сиқиб, думалоқ шакл берганлар. Шу тариқа қоқилар узоқ вақт сақланган ва кундалик истеъмол қилинадиган егулик бўлган.

16:12-13 *Исроил* — Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

16:17 *...шундай деди...* — Ибтидо 12:7, 17:8, 26:3, 28:13 га қаранг.

16:22 *Пайғамбарларим* — Иброҳим, Исҳоқ, Ёқубга ишора (Ибтидо 20:7 га қаранг).

16:29 *Муқаддас улуғворликка бурканган Эгамизга сажда қилинг!* — ёки *Муқаддас масканининг улуғворлигида Эгамизга сажда қилинг!* ёхуд *Муқаддас либосларда Эгамизга сажда қилинг!*

16:39 *Гивондаги саждагоҳ* — Қуддусдан қарийб 6 километр шимоли–ғарбда жойлашган. Ўша даврда Аҳд сандиғи Қуддус шаҳрида, Довуд томонидан ўрнатилган махсус чодирда сақланар эди (15:1 га ва шу бобнинг 1–оятига қаранг). Муқаддас чодир ва қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳ эса Гивонда жойлашган эди.

17:6 *ҳакамлар* — Исроил йўлбошчилари баъзан ҳакамлар деб аталган. Исроил халқи душманларига қарши уруш очганда, ҳакамлар лашкарбоши сифатида хизмат қиларди. Шунингдек, ҳакамлар қози вазифасини, айрим ҳолларда диний вазифаларни ҳам бажарар эдилар.

17:16 *...Эгамизнинг ҳузурида ўтириб...* — Довуд Қуддусда Аҳд сандиғини қўйган махсус чодирда ўтирган бўлиши мумкин (15:1, 16:1 га қаранг). Аҳд сандиғи Худо Ўз халқи орасида эканлигининг рамзи эди.

17:17 *Назарингда мени улуғ одамдай билдинг...* — ёки *Инсон билишни истаган нарсани Сен менга аён этдинг....*

18:1 *Гат шаҳри* — 13:13 изоҳига қаранг.

18:3 *Зўво* — бу юрт Дамашқдан шимолда жойлашган эди.

18:8 *Сулаймон...ясаттирди* — 3 Шоҳлар 7:13-26, 40-45 га қаранг.

18:9 *Хомат* — бу юрт Зўво юртидан шимолда жойлашган эди.

18:9 *Тўах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Тўву* (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор). Унинг Тўах деган шакли 2 Шоҳлар 8:9 дан олинган.

18:10 *Ёрам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ҳадорам*. Унинг Ёрам деган шакли 2 Шоҳлар 8:10 дан олинган.

18:12 *Туз водийси* — Ўлик денгизнинг жанубидаги ўлка.

18:13 *Эдом юрти* — Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди.

18:15 *мушовир* — луғавий маъноси *маслаҳатчи*. Бу ўринда *хабарчи*. У шоҳлик ичидаги ва халқ орасидаги хабарни шоҳга, шоҳнинг фармонларини халққа етказиб турган.

18:16 *Охималек* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Абумалек*. Унинг Охималек деган шакли 2 Шоҳлар 8:17 дан олинган.

18:16 *Сараё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шавшо*. Унинг

Сараё деган шакли 2 Шоҳлар 8:17 дан олинган.

18:17 *Харетлик ва Палатлик қўриқчилар* — Довуд ёллаган бу муҳожир сипоҳлар шоҳнинг шахсий қўриқчилари бўлиб хизмат қилган.

19:1 *Оммон* — бу юрт Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди.

19:6 *...Орам–Нахрайимдан, Орам–Маходан ва Зўво шоҳликларидан...* — Исроилдан шимолда ва шимоли–шарқда жойлашган иттифоқдош шоҳликлар.

19:6 *2000 пуд* — ибронийча матнда *1000 талант*, тахминан 34 тоннага тўғри келади.

19:7 *Мидаво шаҳри* — Ўлик денгизнинг шимолий қирғоғидан қарийб 20 километр шарқда жойлашган.

19:9 *шаҳар* — Оммон юртининг пойтахти Рабба назарда тутилган бўлиши мумкин (шу бобнинг 15–оятига ва 20:1 га қаранг).

19:16 *Шўвах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шўфах*. Унинг Шўвах деган шакли 2 Шоҳлар 10:16 дан олинган.

20:1 *Рабба шаҳри* — Оммон юртининг пойтахти.

20:2 *Оммон шоҳининг бошидаги тож* — ёки *Милкомнинг ҳайкали устидаги тож*. Милком — Оммон халқининг худоси Мўлахнинг яна бир номи.

20:2 *икки пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

20:4 *Соф* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Сиппай*. Унинг Соф деган шакли 2 Шоҳлар 21:18 дан олинган.

20:4 *Рафа халқи* — Исроил халқидан аввал Канъонда яшаган, гавдаси улкан, кучли жангчилари билан машҳур бўлган халқ (Қонунлар 2:10-11, 20-21, 3:11 га қаранг).

20:5 *Гат* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бу шаҳар Филистларнинг бешта асосий шаҳридан бири эди.

20:5 *Гўлиёт* — 1 Шоҳлар 17:4-11, 40-54 га қаранг.

21:15 *Аравно* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ўрнан* (шу бобнинг 18-28–оятларида ҳам бор). Унинг Аравно деган шакли 2 Шоҳлар 24:16 дан олинган.

21:15 *...Ёбус халқидан бўлган Аравно исмли одамнинг хирмонида...* — бу жой қадимги Қуддуснинг ташқарисидаги тепаликда жойлашган. Кейинроқ Сулаймон Маъбадни шу ерда қурган (22:1 га ва 2 Солномалар 3:1 га қаранг).

21:16 *...қанор кийган...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанор кийиб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

21:23 *хўптир* — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта. Донни бошоқдан ажратиб олиш учун ўрилиб хирмонга ёйилган буғдой устидан хўптир юргизиларди.

21:25 *олти юз олтин танга* — ибронийча матнда *олти юз шақал олтин*, тахминан 7 килога тўғри келади.

21:27 *Қиличинг* — шу бобнинг 16–оятига қаранг.

21:29 *Гивон* — 16:39 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

22:4 *Сидон…Тир…* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар. Бу шаҳарлар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

22:9 *Сулаймон* — бу исм ибронийчадаги *тинчлик* сўзига оҳангдош.

22:14 *200.000 пуд* — ибронийча матнда *100.000 талант*, тахминан 3400 тоннага тўғри келади.

22:14 *2.000.000 пуд* — ибронийча матнда *1.000.000 талант*, тахминан 34.000 тоннага тўғри келади.

23:7 *Лубнах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ладен* (шу бобнинг 8, 9–оятларида ҳам бор). Унинг Лубнах деган шакли 6:17 дан олинган (яна Чиқиш 6:17, Саҳрода 3:18 га қаранг).

23:32 *Учрашув чодири* — Муқаддас чодирнинг яна бир номи.

24:5 *…қуръа бўйича…* — 6:54 изоҳига қаранг.

24:20 *Шавувол* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шувавол*. Унинг Шавувол деган шакли 23:16 дан олинган (яна 26:24 га қаранг).

24:22 *Шалумит* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шалумўт*. Унинг Шалумит деган шакли 23:18 дан олинган.

24:23 *Хеврон наслидан — тўнғичи Ёриё, иккинчиси — Эмориё…* — иккита иброний қўлёзмасидан ва қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 23:19 га қаранг). Ибронийча матнда *Ёриё наслидан — иккинчиси Эмориё….*

24:28-29 *…Махли наслидан…Ярахмал…* — ёки *…Марори наслидан — Элазар. Элазарнинг ўғиллари йўқ эди. Киш наслидан — Ярахмал….*

25:3 *Шимах* — битта иброний қўлёзмасидан ва қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 25:17 га қаранг). Ибронийча матнда бу исм йўқ.

25:7-9 *…қуръа ташлашди* — 6:54 изоҳига қаранг.

25:11 *Зари* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йизри*. Унинг Зари деган шакли шу бобнинг 3–оятидан олинган.

25:14 *Осорилах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ясарелах*. Унинг Осорилах деган шакли шу бобнинг 2–оятидан олинган.

25:18 *Узиёл* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Озариёл*. Унинг Узиёл деган шакли шу бобнинг 4–оятидан олинган.

25:20 *Шавувол* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шувавол*. Унинг Шавувол деган шакли шу бобнинг 4–оятидан олинган.

26:13 *…қуръа ташлаб…* — 6:54 изоҳига қаранг.

26:14 *Машалмиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шаламиё*. Унинг Машалмиё деган шакли шу бобнинг 2–оятидан олинган.

26:20 *Охиё бошчилигидаги бошқа левилар…* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Уларнинг леви биродарлари….*

26:21 *Лубнах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ладен*. Унинг Лубнах деган шакли 6:17 дан олинган (яна Чиқиш 6:17, Саҳрода 3:18 га қаранг).

27:6 *Бинаё* — 11:22-25 га қаранг.

27:15 *Халед* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Халдай*. Унинг

Халед деган шакли 11:30 дан олинган.

27:21 *Гиладдаги Манаше қабиласининг ярми* — Гилад ўлкаси Иордан дарёсининг шарқ томонида бўлиб, Манаше қабиласининг ярми шу ерда ўрнашган эди (Ёшуа 13:8, 29-31 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган эди (Ёшуа 22:7 га қаранг).

27:24 *...Йўаб халқни санашни бошлаганди–ю, лекин охирига етказмаганди* — 21:1-6 га қаранг.

27:24 *...Эгамиз Исроилга ғазабини сочганди* — 21:7-15 га қаранг.

27:28 *шикамора–анжир* — анжирнинг қадимги Яқин Шарқда кенг тарқалган бир тури. Катталиги ёнғоқ дарахтидай, барглари эса тут баргларига ўхшаш бўлиб, йил давомида бир неча бор ҳосил берадиган сersоя дарахт.

28:2 *Худонинг оёқ курсиси бўлмиш Эгамизнинг Аҳд сандиғи* — Аҳд сандиғи устидаги икки каруб орасидаги жой Худонинг ер юзидаги тахти деб ҳисобланарди (2 Шоҳлар 6:2 га қаранг).

28:12 *кўнглидаги ниятлари* — ёки *Худонинг Руҳи унга аён қилган режалар*.

28:18 *...олтин араванинг, яъни...олтин карубларнинг лойиҳаси...* — Эски Аҳднинг баъзи оятларида карублар Худонинг тахтини кўтариб юрадиган восита сифатида тасвирланади (Ҳизқиёл 1, 10–бобларга қаранг). Карублар ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

29:1 *Муқаддас кошона* — ибронийча матнда *кошона*, Маъбад назарда тутилган (шу бобнинг 19–оятида ҳам бор).

29:4 *6000 пуд* — ибронийча матнда *3000 талант*, тахминан 102 тоннага тўғри келади.

29:4 *Офир* — бу юрт Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган бўлиши мумкин. Офир олтини энг сифатли олтин ҳисобланган.

29:4 *14.000 пуд* — ибронийча матнда *7000 талант*, тахминан 238 тоннага тўғри келади.

29:7 *10.000 пуд* — ибронийча матнда *5000 талант*, тахминан 170 тоннага тўғри келади.

29:7 *10.000 олтин танга* — ибронийча матнда *10.000 олтин дарик*. Дарик олтин танга бўлиб, тахминан 8 граммга тўғри келади, демак, берилган олтиннинг умумий оғирлиги тахминан 80 килога тўғри келади.

29:7 *20.000 пуд* — ибронийча матнда *10.000 талант*, тахминан 340 тоннага тўғри келади.

29:7 *36.000 пуд* — ибронийча матнда *18.000 талант*, тахминан 612 тоннага тўғри келади.

29:7 *200.000 пуд* — ибронийча матнда *100.000 талант*, тахминан 3400 тоннага тўғри келади.

29:10 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (шу бобнинг 18–оятида ҳам бор). Ибтидо 32:27-28 га қаранг.

29:22 *иккинчи марта* — Сулаймон биринчи марта шоҳ деб эълон қилингани ҳақида 23:1 ёки 3 Шоҳлар 1:32-36 да сўз юритилган бўлиши мумкин. Қадимий юнонча таржимада *иккинчи марта* ибораси йўқ.

СОЛНОМАЛАР
(ИККИНЧИ КИТОБ)

Кириш

“Солномалар (иккинчи китоб)”да Исроил тарихининг давоми баён қилинади. Гарчи “Солномалар (биринчи китоб)” ва “Солномалар (иккинчи китоб)”ларда “Шоҳлар” китобларидаги кўп воқеалар такрорланса ҳам, Исроил тарихи “Шоҳлар” китобларидагига қараганда, бир оз бошқачароқ нуқтаи назардан ёритилади. Мазкур китобда асосий эътибор шоҳ Сулаймонга, у қурган Маъбадга ва Маъбаддаги сажда маросимларига қаратилади.

“Солномалар (биринчи китоб)” ва “Солномалар (иккинчи китоб)”нинг асл нусхаси битта ибронийча китоб бўлиб, иккала қисмни битта ўрамга жойлаш узунлик қилгани учун, китоб икки қисмга — “Солномалар (биринчи китоб)” ва “Солномалар (иккинчи китоб)”га бўлинган.

“Солномалар (иккинчи китоб)” шоҳ Сулаймоннинг ҳукмронлиги тарихи билан бошланади. Сўнгра милоддан олдинги 586 йилда Қуддус шаҳрининг қулашигача Яҳудо ва Исроил шоҳликларида юз берган воқеалар ҳикоя қилинади.

Шоҳ Сулаймон Исроилнинг доно шоҳи сифатида донг таратади. “Солномалар (иккинчи китоб)”нинг дастлабки қисмида (1-9–боблар) Сулаймон ҳукмронлиги давридаги воқеалар, хусусан, Қуддусдаги Маъбаднинг қурилиши, Худога бағишланиши ва илк сажда маросимлари ҳақида баён қилинади.

Китобнинг иккинчи қисми (10-36–боблар) Исроилдаги шимолий қабилаларнинг исёни билан бошланади. Бу қабилалар ўзлари мустақил давлат тузиб, Худога сажда қилиш учун Қуддусдаги Маъбадга бормай қўядилар. Натижада, мамлакат иккита алоҳида шоҳликка — жанубда Яҳудо шоҳлигига ва шимолда Исроил шоҳлигига бўлиниб кетади. Китобнинг бу қисмида Қуддуснинг қулаши ва вайрон бўлишигача юз берган воқеалар баён қилинади. Мазкур китоб, “Шоҳлар (учинчи китоб)” ва “Шоҳлар (тўртинчи китоб)”дан фарқли равишда, Исроил, яъни шимолий шоҳлик тўғрисида кам маълумот беради. “Солномалар (иккинчи китоб)”да ёзилишича, Исроил халқи Худодан юз ўгириб, кўп гуноҳ қилган. Шунинг учун уларнинг тарихи баён қилинишга арзимас эди. Мазкур китобда бутун эътибор Маъбаддаги сажда маросимларини тиклаган шоҳларга қаратилади.

“Солномалар (иккинчи китоб)”да, худди “Солномалар (биринчи китоб)”даги сингари, Худога тўғри йўллар билан сажда қилиш муҳимлигига катта эътибор берилади. Яҳудо шоҳлари Ҳизқиё ва Йўшиё Худога бўлган садоқати, қонунга итоаткорлиги ва амалга оширган ислоҳотлари туфайли юксак обрўга сазовор бўлган шоҳлар ҳисобланади.

Мазкур китобда Қуддуснинг вайрон бўлиши ва Яҳудо халқи Бобилга асир қилиб олиб кетилиши тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади. Яҳудо халқига берилган умид ваъдаси китобга якун ясайди. Форс шоҳи Куруш* асирларга Яҳудога қайтишлари учун ижозат бериб, уларга Маъбадни қайта қуришни буюради. Маъбад Яҳудо халқи орасидаги Худонинг ҳузурини билдириб, ўтмиш ва келажакни боғлаб турадиган ришта бўлиб хизмат қилади.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

1–БОБ

Шоҳ Сулаймон донолик сўраб ибодат қилади

1 Довуд ўғли Сулаймон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди. Эгаси Худо у билан
бирга бўлиб, уни ниҳоятда юксалтирди. 2 Сулаймон жамики Исроил халқини —
мингбошиларни, юзбошиларни, ҳакамларни, Исроилнинг ҳамма
йўлбошчиларини ва уруғбошиларини чақиртирди. 3 Сулаймон билан бутун жамоа
Гивондаги саждагоҳга* йўл олишди. Эгамизнинг қули Мусо саҳрода қурдирган
Худонинг Учрашув чодири* ўша даврда Гивонда жойлашган эди. 4 Худонинг Аҳд
сандиғи эса Довуднинг ташаббуси билан Хират–Йўримдан Қуддусга олиб
келинган эди*, чунки Довуд Сандиқ учун Қуддусда бир жой тайёрлаб, чодир
ўрнатиб қўйган эди. 5 Базалил қурган бронза қурбонгоҳ эса ҳануз Гивондаги
Эгамиз Муқаддас чодирининг қаршисида жойлашган эди. Базалил Уриниng ўғли
ва Хурнинг невараси эди. Сулаймон ва жамоа қурбонгоҳ олдида Эгамизга сажда
қилдилар. 6 Сўнг Сулаймон Эгамизнинг олдида Учрашув чодирининг
қаршисидаги ўша бронза қурбонгоҳ устига чиқиб, мингта қурбонлик куйдирди.
7 Ўша куни кечаси Худо Сулаймонга зоҳир бўлиб, унга:
— Тила тилагингни! — деди.
8 Сулаймон Худога айтди:
— Сен отам Довудга улуғ севгингни кўрсатдинг. Мени унинг ўрнига шоҳ
қилдинг. 9 Эй Парвардигор Эгам! Отам Довудга берган ваъданг устидан чиқ. Ахир,
Сен мени ернинг қумидай кўп бўлган бир халқ устидан шоҳ қилдинг. 10 Бу халқни
бошқара олишим учун менга донолик ва илму маърифат бергин. Бўлмаса Сенинг
шу қадар беҳисоб халқингга ким ҳукмронлик қила олади?!
11 Худо Сулаймонга шундай жавоб берди:
— Мен сени халқим устидан шоҳ қилдим. Сен ўзинг учун мол–мулк, бойлик,
шон–шуҳрат ёки душманларингнинг жонини сўрамадинг, ҳатто ўзингга узоқ умр
ҳам тиламадинг. Аксинча, Менинг халқимни бошқарай деб, донолик ва илму
маърифат сўраганинг учун 12 донолик ва илму маърифат сенга ҳадя бўлсин.
Буларга қўшимча қилиб сенга бойлик, мол–мулк ва шон–шуҳрат бераман, сенгача
ўтган ва сендан кейин бўладиган ҳеч қайси шоҳ сенга тенг келмайди.
13 Шундан кейин Сулаймон Гивондаги саждагоҳда жойлашган Учрашув
чодиридан Қуддусга қайтиб кетди. У Исроил устидан ҳукмронлик қила бошлади.

Шоҳ Сулаймоннинг бойлиги

14 Сулаймон жанг аравалари ва отларни тўплади. Унинг 1400 та жанг араваси
ва 12.000 та оти* бор эди. Сулаймон буларнинг бир қисмини жанг аравалари
сақланадиган шаҳарларга ва бир қисмини Қуддусга — ўзининг ёнига
жойлаштирди. 15 Унинг ҳукмронлиги даврида Қуддусда олтину кумуш кўчадаги
тошдай кўп эди. Садр ёғочлари ҳам худди Яҳудо қир этакларида ўсадиган оддий
шикамора–анжир дарахтидай* сероб эди. 16 Шоҳнинг савдогарлари Мисрдан* ва
Қуведан Сулаймон учун отлар олиб келишарди. Улар отларни Қуведан сотиб
олишарди. 17 Мисрдан келтирилган ҳар бир жанг араваси учун 600 кумуш танга*,
ҳар бир от учун 150 кумуш танга* тўлашарди. Сўнг буларни барча Хет шоҳларига
ва Орам шоҳларига сотишарди.

2–БОБ

Маъбад қурилиши учун тайёргарлик

1 Сулаймон Эгамизга атаб Маъбад ва ўзи учун шоҳона сарой бунёд этишга

қарор қилди. 2 Сулаймон 70.000 нафар юк ташувчини, қирларда тош кесадиган
80.000 нафар сангтарошни ва булар устидан назоратчи қилиб 3600 кишини
ёллади.
3 Сулаймон Тир* шоҳи Хирамга шу хабарни етказди:

"Бир вақтлар сиз отам Довудга саройини қуриш учун садр ёғочларини
жўнатганингиз каби, менга ҳам садр ёғочларини жўнатинг. 4 Мен Эгам
Худога атаб бир уй қурмоқчиман. У ерда хушбўй тутатқилар тутатилади,
доимий равишда муқаддас нонлар назр қилиниб, хонтахта устига
терилади. Эрталаб ва кечқурунлари қурбонликлар куйдирилади,
шунингдек, Шаббат кунларида, янги ой шодиёналарида ва Эгамиз Худо
белгилаган байрамларда куйдириладиган қурбонликлар келтирилади.
Исроил халқи буларга доимо, авлодлар оша риоя қилади.
5 Мен қурмоқчи бўлган уй ҳашаматли бўлади, чунки Худойимиз бошқа
худолардан буюкдир. 6 Лекин ким Унга бир уй қура олар?! У осмонга, ҳатто
фалак тоқига ҳам сиғмайди–ку! Мен ким бўлибманки, Унга уй қура олсам?!
Фақат Унга қурбонликлар келтириш учун бир жой тайёрлай оламан, холос.
7 Шундай экан, менга моҳир бир устани юборинг. У ўймакорликдан
ташқари, олтин, кумуш, бронза ва темирга ишлов бера оладиган, сафсар,
қизил ва кўк матолар тўқий оладиган бўлсин. У Яҳудо ва Қуддусда, отам
Довуд саралаган моҳир усталарим билан бирга ишлайди.
8 Менга Лубнондан садр, сарв ва сандал ёғочларини жўнатинг. Сизнинг
хизматкорларингиз Лубнон дарахтларини кесишга уста эканини биламан.
Менинг одамларим сизнинг одамларингиз билан бирга ишлайдилар. 9 Улар
мен учун катта миқдорда ёғоч тайёрлаб беришсин. Мен қурмоқчи бўлган
уй улкан ва ҳашаматли бўлиши керак. 10 Мен ёғоч кесадиган
хизматкорларингизга иш ҳақи қилиб 200.000 тоғора* янчилган буғдой,
200.000 тоғора арпа, 40.000 кўза* шароб ва 40.000 кўза зайтун мойи
юбораман."

11 Шундан кейин Тир шоҳи Хирам мактуб орқали Сулаймонга шундай жавоб
берди:

"Эгамиз Ўз халқини севгани учун улар устидан сизни шоҳ қилди."

12 Хирам яна шу гапларни айтди:

"Еру кўкни яратган Исроил халқининг Худоси — Эгамизга ҳамду
санолар бўлсин. У шоҳ Довудга доно, ақлли, фаҳм–фаросатли ўғил ато
қилибди. Шу ўғил Эгамизга атаб Маъбадни ва ўзи учун саройни бунёд
қилади.
13 Сизга Хуром исмли ақлли, моҳир бир устани юборяпман. 14 Унинг
онаси — Дан қабиласидан, отаси эса — Тирлик. Унинг ўзи олтин, кумуш,
бронза, темир, тош ва ёғочга ишлов берадиган моҳир устадир. У сафсар,
кўк, қизил матоларни ва майин зиғир матосини ҳам тўқишни билади,
шунингдек, турли ўймакорлик ишларини бажара олади, ҳар қандай
нақшни сола олади. Хуром сизнинг усталарингиз ва отангиз бўлмиш
хўжайиним Довуд етиштирган усталар билан бирга ишлайди.
15 Жаноби олийлари! Ўзингиз айтган буғдой, арпа, зайтун мойи,
шаробни қулларингизга юборинг. 16 Сизга керак бўладиган ҳар қандай

дарахтни биз Лубнондан кесиб берамиз, ёғочлардан сол қилиб, денгиз соҳили бўйлаб Яффага* қадар келтириб берамиз. Сиз ўша ердан ёғочларни Қуддусга олиб кетаверасиз.”

Маъбад қурилиши бошланди

17 Шундан кейин Сулаймон отаси Довуд сингари, Исроил юртида истиқомат
қилаётган мусофирларнинг ҳаммасини рўйхатга олди. Мусофирларнинг сони
153.600 киши экан. 18 Сулаймон уларнинг 70.000 нафарини оғир юк ташувчи,
80.000 нафарини қирларда тош кесадиган сангтарош, 3600 нафарини эса
ишлаётганлар устидан назоратчи қилиб тайинлади.

3–БОБ

1 Сулаймоннинг отаси шоҳ Довуд Эгамизнинг уйи учун Қуддусда бир жой
тайёрлаб қўйган эди. Бу жой Мориёх тоғида — Довудга Эгамиз зоҳир бўлган
Ёбуслик Аравнонинг* хирмонида эди. Сулаймон Эгамизнинг уйини ўша ерда
барпо қила бошлади. 2 Қурилиш Сулаймон ҳукмронлигининг тўртинчи йили
иккинчи ойининг* иккинчи кунида бошланган эди. 3 Сулаймон Худонинг уйи учун
пойдевор қўйди, пойдеворнинг узунлиги (қадимги ўлчов бирлигига асосан) 60
тирсак*, эни 20 тирсак эди. 4 Уйнинг асосий хонаси олдида айвон бўлиб,
айвоннинг узунлиги асосий хонанинг эни билан бир ўлчовда — 20 тирсак,
баландлиги ҳам 20 тирсак* эди. Сулаймон айвоннинг ичини тоза олтин билан
қоплатди. 5 Асосий хонанинг деворларини олдин сарв ёғочи билан қоплатиб,
устидан тоза олтинни қоплатди, сўнг хурмо дарахти ва занжирлар шаклларини
ўйдириб солдирди. 6 Уйни қимматбаҳо тошлар билан безаттирди. Парвайимдан
келтирилган олтин билан 7 уйнинг тўсинларини, остоналарини, деворларини ва
эшикларини қоплатди. Деворларга карублар* суратини ўйдирди.
8 Сулаймон Энг муқаддас хонани ҳам қурдирди. Бу хонанинг узунлиги асосий
хонанинг эни билан бир ўлчовда — 20 тирсак, эни ҳам 20 тирсак эди. Сулаймон бу
хонани 1300 пуд* тоза олтин билан қоплатди. 9 Ишлатилган олтин михларнинг
умумий оғирлиги 125 мисқол* эди. Юқори хоналарнинг деворлари ҳам олтин
билан қопланди.
10 Сўнг Сулаймон иккита каруб шаклини ясаттирди. Уларни олтин билан
қоплатиб, Энг муқаддас хонага ўрнаштирди. 11-13 Карублар ёнма–ён, кираверишга
қаратиб қўйилган эди. Ҳар бирининг иккитадан қаноти бўлиб, ҳар бир
қанотининг узунлиги беш тирсак эди. Қанотлар ёйилган ҳолда ясалган бўлиб,
карубларнинг бир қаноти деворга тегиб турар эди. Иккинчи қаноти эса хонанинг
марказида бошқа карубнинг қанотига тегиб турар эди. Иккала карубнинг
ёйилган қанотлари жами 20 тирсакни ташкил қилар эди. 14 Сулаймон кўк, сафсар,
қизил матолардан ва майин зиғир матосидан ички парда* қилдириб, парданинг
устига карублар суратини солдирди.

Икки бронза устун

15 Сулаймон 18 тирсак* баландликдаги икки устун ясаттириб, уларни Эгамиз
уйининг олд томонига ўрнатди. Ҳар бир устун тепасида устунқош бўлиб,
устунқошнинг баландлиги 5 тирсак эди. 16 Устунқошлар тўқилган занжирлар ва
юзта анор* тасвири билан безатилган эди. 17 Устунлар уйнинг олдига — биттаси
ўнг томонга, иккинчиси чап томонга ўрнатилган эди. Ўнг томондаги устунга
Ёхин* деб, чап томондагисига Бўаз* деб ном берилди.

4–БОБ

Маъбад анжомлари

1 Шоҳ Сулаймон бронза қурбонгоҳ ясаттирди. Қурбонгоҳнинг узунлиги 20
тирсак*, эни ҳам 20 тирсак, баландлиги 10 тирсак эди. 2 Кейин бронзани эритиб,
думалоқ шаклда ҳовуз ясатди. Ҳовузнинг бир қирғоғидан нариги қирғоғигача 10
тирсак, баландлиги эса 5 тирсак эди. Айланаси 30 тирсак эди. 3 Ҳовузнинг ташқи
томонида, қирғоғи остида айланасига икки қатор буқа шакли бор эди. Ҳар бир
тирсак масофада ўнтадан шундай шакл қилинган эди. Бронза эритилиб, ҳовуз
ясалаётган пайтда, бу буқа шакллари ҳам қилинган эди. 4 Ҳовуз бронзадан
ясалган ўн иккита буқа устига ўрнаштирилган эди. Буқаларнинг учтаси шимолга,
учтаси ғарбга, учтаси жанубга ва учтаси шарққа қаратилган эди. Буқаларнинг
орқа томони ҳовузнинг ичкарисига қаратилган эди. 5 Ҳовузнинг қалинлиги тўрт
энли бўлиб, четлари косанинг четларига ўхшар, шакли лолагулга ўхшарди. Унга
6000 кўза* сув сиғарди.

6 Сулаймон ўнта тоғора ҳам ясатди. Тоғоранинг бештаси ҳовузнинг чап
томонига, бештаси ўнг томонига ўрнатилди. Бу тоғоралар қурбонлик қилиб
куйдириладиган ҳайвонларни ювиш учун мўлжалланган эди. Ҳовуз эса
руҳонийларнинг ювиниши учун эди.

7-8 Сулаймон лойиҳага биноан ўнта олтин чироқпоя билан ўнта хонтахта
ясатиб, уларни Маъбаднинг асосий хонасига ўрнаттирди. Бешта чироқпоя билан
бешта хонтахтани хонанинг ўнг томонига, қолган бешта чироқпоя билан бешта
хонтахтани хонанинг чап томонига ўрнаштирди. Булардан ташқари, олтиндан
юзта тоғорача ҳам ясаттирди. 9 Сулаймон руҳонийлар учун ички ҳовлини
қурдирди. Бундан ташқари, у ташқи ҳовлини қурдириб, икки ҳовли орасига
эшиклар ясаттирди. Эшикларни бронза билан қоплатди. 10 Ҳовузни Эгамиз
уйининг жануби–шарқ томонидаги бурчагига ўрнаттирди.

11 Хуром қозонлар, куракчалар ва тоғорачалар ҳам ясади. Шундай қилиб, у шоҳ
Сулаймон учун Худонинг уйига оид қуйидаги ашёларни ясаб берди:

12 иккита устун,
устунларнинг тепасидаги иккита доира шаклидаги устунқош,
устунқошни ўраб турган иккита тўрсимон безак,
13 иккала безакнинг ёнларида тўрт юзта анор* тасвири, яъни устунлар
тепасида доира шаклидаги иккита устунқошни қоплаб туриш учун ҳар
бир тўрсимон безакнинг иккала чеккасидаги анор суратлари,
14 аравалар, аравалар устидаги тоғоралар,
15 битта ҳовуз, ҳовуз остидаги ўн икки буқа шакли,
16 қозонлар, кураклар, санчқилар ва буларга алоқадор барча буюмлар.

Хуром шоҳ Сулаймон учун Эгамизнинг уйига оид ана шу ашёларни
сайқалланган бронзадан ясаб берди. 17 Шоҳ бу нарсаларни Иордан водийси
атрофларида — Сухот ва Зоратон* орасида лойдан ясалган қолипларда қуйдирди.
18 Сулаймон бу нарсаларнинг ҳаммасини кўп миқдорда ясаттирди, шунинг учун
ишлатилган бронзанинг ҳисобини аниқлаб бўлмади.

19 Сулаймон Худонинг уйи учун қуйидаги ҳамма буюмларни ҳам ясаттирди:

олтиндан ясалган тутатқи қурбонгоҳи,
устида муқаддас нонлар* турадиган хонтахталар,
20 тоза олтиндан ишланган чироқпоялар ва уларнинг мойчироқлари, булар

лойиҳага биноан, Энг муқаддас хонанинг олдида ёниб туриши керак эди,
21 яна тоза олтиндан гуллар, мойчироқлар, қисқичлар,
22 қайчилар, тоғорачалар, куракчалар ва оловкураклар ясатди. Энг муқаддас хона ва асосий хона эшиклари ҳам тоза олтиндан ясалган эди.

5–БОБ

1 Шундай қилиб, Сулаймон Эгамизнинг уйига оид ҳамма ишларни битирди. Сўнгра у отаси Довуд назр қилган нарсаларни олиб келиб, кумуш, олтин ва ҳамма буюмларни Худонинг уйи хазинасига қўйди.

Аҳд сандиғи Маъбадга келтирилади

2 Шундан сўнг Сулаймон Эгамизнинг Аҳд сандиғини Довуд қалъасидан* — Сиондан Эгамизнинг уйига олиб келмоқчи бўлди. Шу мақсадда у Исроил оқсоқолларини, ҳамма қабила йўлбошчиларини, Исроил халқи уруғбошиларини Қуддус шаҳрига чақиртирди. 3 Уларнинг ҳаммаси еттинчи ойда*, Чайла байрами* пайтида шоҳнинг ҳузурига йиғилишди.
4 Исроил оқсоқолларининг ҳаммаси келгач, левилар Сандиқни ердан кўтаришди. 5 Руҳонийлар ва левилар, Сандиқ билан бирга Учрашув чодирини*, Чодирдаги барча муқаддас буюмларни Эгамизнинг уйига олиб келишди. 6 Шоҳ Сулаймон ва тўпланган бутун Исроил жамоаси Сандиқнинг олдида қўйлар, буқалар сўйиб қурбонлик қилишди. Қурбонлик қилинган қўй ва буқалар шу қадар кўп эдики, ҳисобига етиб бўлмасди.
7 Руҳонийлар Эгамизнинг Аҳд сандиғини алоҳида аталган жойга — Энг муқаддас хонага, карубларнинг қанотлари остига қўйишди. 8 Карубларнинг қанотлари Сандиқ усти бўйлаб чўзилган ва Сандиқ ҳамда унинг ходаларини беркитиб турарди. 9 Ходалар шунчалик узун эдики, уларнинг учи Энг муқаддас хонанинг шундайгина олдидан кўриниб турарди, бошқа жойдан эса кўринмасди. Ходалар бугунгача* ҳам ўша ерда турибди. 10 Сандиқнинг ичида иккита тош лавҳадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин, Эгамиз Синай тоғида* улар билан аҳд тузган эди. Ўшанда Мусо бу тош лавҳаларни Сандиқ ичига солиб қўйган эди.
11-14 Бу ерда ҳозир бўлган руҳонийларнинг ҳаммаси, қайси гуруҳга қарашли бўлишидан қатъий назар, ўзларини поклаган эдилар. Жамики леви созандалари — Осиф, Хаман, Ёдутун, уларнинг ўғиллари ва қариндошлари майин зиғир матосидан тикилган либосларни кийиб олган эдилар. Левилар зил, арфа ва лираларни кўтариб қурбонгоҳнинг шарқ томонида турдилар. Уларнинг ёнидан карнай чаладиган 120 нафар руҳоний жой олди. Созандалару карнайчилар жўр бўлиб, Эгамизга ҳамду сано ва шукрона айтар эдилар. Карнай, зил ва бошқа созлар жўрлигида қўшиқчилар Эгамизга шундай ҳамду сано куйлар эдилар:

“Эгамиз яхшидир,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.”

Руҳонийлар Муқаддас хонадан чиқиб кетаётганларида, бирданига Худонинг уйини булут қоплаб, Эгамизнинг улуғворлиги уйни тўлдирди. Шунинг учун руҳонийлар ўз хизматини давом эттира олмадилар.

6–БОБ

Сулаймоннинг нутқи

1 Шунда Сулаймон ибодат қилди:
— Эй Эгамиз! Сен, зимзиё зулматда маскан қиламан, деган эдинг. 2 Мана энди
Сенга ажойиб бир уй, абадий истиқомат қилишинг учун бир маскан барпо
қилдим.
3 Кейин шоҳ орқасига қайрилиб, тик турган жамики Исроил жамоасини дуо
қилди. 4 Шоҳ деди:

"Исроил халқининг Худоси — Эгамизга ҳамду санолар бўлсин. У отам
Довудга берган ваъдасини бажарди. 5 Эгамиз отамга шундай деган эди*:
«Халқим Исроилни Мисрдан олиб чиққан кунимдан бери Мен
улуғланадиган уйни барпо қилиш учун Исроил қабилаларининг бирорта
шаҳрини танламаган эдим, бирорта одамни халқимга ҳукмрон қилиб
сайламаган эдим. 6 Мана энди эса улуғланишим учун Қуддусни танладим.
Мен сени, эй Довуд, халқим Исроил устидан ҳукмдор бўлгин деб
танладим.»
7 Исроил халқининг Худоси — Эгамизга атаб бир уй барпо қилмоқ отам
Довуднинг нияти эди. 8 Лекин Эгамиз отам Довудга шундай деб айтди:
«Модомики, Менга атаб бир уй барпо қилмоқни кўнглингга туккан
экансан, яхши қилибсан. 9 Бироқ Менга атаб ўша уйни сен эмас, балки
сенинг пушти камарингдан бино бўладиган ўғлинг барпо қилади.»
10 Эгамиз ваъда берган эди, бажо айлади: отам Довуднинг ўрнига тахтга
мен чиқдим, Эгамиз ваъда этганидай, Исроил тахтига ўтирдим, Исроил
халқининг Худоси — Эгамизга атаб бир уй барпо қилдим. 11 Ўша уйга Аҳд
сандиғини ўрнаштирдим. Эгамизнинг Исроил халқи билан қилган аҳд
лавҳалари шу Сандиқнинг ичида турибди."

Сулаймоннинг ибодати

12 Сулаймон Эгамизнинг қурбонгоҳи олдида, Исроил жамоаси рўпарасида
қўлларини кўкка чўзди. 13 У супанинг устида турар эди. Бу супани Сулаймон
бронзадан ясаттириб, уни ҳовлининг ўртасига ўрнаттирган эди. Супанинг
узунлиги беш тирсак, эни ҳам беш тирсак, баландлиги уч тирсак* эди. Сулаймон
бутун Исроил жамоаси олдида тиз чўкиб, қўлларини кўкка чўзганча, 14 ибодат
қила бошлади:

"Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз! Ер юзида ҳам, осмону фалакда
ҳам Сенга ўхшаши йўқ! Сенга бутун қалби билан боғланиб, Сен кўрсатган
йўлдан юрадиган қулларингга Ўзинг аҳдингни содиқ сақлайсан. 15 Қулинг
— отам Довудга Сен Ўз оғзинг билан берган ваъдаларингни бугун Ўз
қўлинг билан бажо айладинг.
16 Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз! Ўзингнинг қулингга — отам
Довудга: «Болаларинг ҳам сенга ўхшаб қонунларимга риоя қилиб, ўйлаб
қадамини боссалар, сенинг наслингдан бўлган эркак зоти то абад Исроил
тахтида ўтиради», — деб ваъда берган эдинг. Энди берган ваъдангни адо
эт! 17 Эй Исроил халқининг Худоси — Эгамиз! Қулинг Довудга
айтганларинг амалга ошсин, деб илтижо қиламан.
18 Эй Худо, Сен ер юзида инсон зоти билан яшармидинг?! Сен осмонга,
ҳатто фалак тоқига ҳам сиғмассан. Фалак тоқи олдида мен қурган уй нима

бўлибди?! 19 Эй Эгам Худо, илтижо билан қилган ибодатимни қабул эт!
Сенга ёлвориб қилаётган илтижоларимга жавоб бер. 20 Сен: «Мен ўша ерда
улуғланай», деб айтган эдинг. Кўзларинг кечаю кундуз ўша жойга — ўша
уйга қадалиб турсин. Мен, қулинг, ўша томонга қараб ибодат қиламан,
ибодатларимни тингла. 21 Исроил халқи билан бирга ўша томонга қараб
қилган илтижоларимизга қулоқ тут. Самолардан — Ўз маконингдан туриб
қулоқ сол, эшитгин–у, гуноҳимиздан ўт.

22 Кимдир гуноҳкорликда айбланса, ўша одам келиб, шу уйингдаги
қурбонгоҳинг олдида, айбсизман, деб онт ичса, 23 эй Эгам, самодан туриб
қулоқ сол, қулларингни Ўзинг ҳукм эт. Гуноҳкорнинг қилмишини бўйнига
қўй, жазосини бер. Гуноҳсизнинг эса ҳақлигини кўрсат, ҳақ бўлгани учун
уни озод қил.

24 Халқинг Исроил Сенинг олдингда гуноҳ қилгани учун ёвга мағлуб
бўлса, яна қайтиб Сени тан олса, ўша уйда Сенга ёлвориб илтижо қилса,
25 Сен самодан туриб, уларнинг илтижоларига қулоқ сол, гуноҳларидан ўт.
Оталарига ва уларга Ўзинг томондан берилган юртга уларни қайтар.

26 Улар Сенга қарши гуноҳ қилганлари учун осмон беркилиб, ёмғир
ёғмаганда, улар ўша уйга қараб, Сени яна тан олиб илтижо қилсалар, Сен
уларни гуноҳлари учун жазолаганингда, тавба қилсалар, 27 қулларинг
Исроил халқига самодан туриб қулоқ сол, уларнинг гуноҳидан ўт. Уларга
тўғри йўл кўрсат, токи ўша йўлдан юрсинлар, кейин халқингга мулк қилиб
берган ерга ёмғир ёғдир.

28 Юртда очарчилик ё ўлат пайдо бўлса, гармсел*, занг касали,
чигиртка*, қурт–қумурсқа босса ёки халқингни ёвлар қамал қилса, ёхуд
кулфат, хасталик уларнинг бошига келса, 29 ҳар қандай инсон ёки халқинг
Исроил Сенга ёлвориб ибодат қилса, ҳар ким ўз дард–ҳасратини айтиб, бу
уй томон қўлларини чўзса, 30-31 Сен самодан — масканингдан туриб қулоқ
сол ва уларнинг гуноҳидан ўт. Ҳар бирининг тутган йўлига қара, хизматига
яраша бер, токи Сен Ўзинг ота–боболаримизга берган юртда улар
умрларининг охиригача Сендан қўрқиб, Сенинг йўлларингдан юрсинлар.
Зотан, жамики инсон боласининг кўнглидагини ёлғиз Сен биласан, холос.

32 Халқинг Исроилдан бўлмаган бегона одам Сени деб узоқ юртдан
келса, Сенинг шуҳратинг, қудратинг ва ажойиботларинг ҳақида эшитиб,
ўша уйга қараб ибодат қилса, 33 Сен маконингдан туриб қулоқ сол. Ўша
одамнинг сўраганини бажо айла, токи ер юзидаги ҳамма халқлар Сени
билсин, халқинг Исроил каби Сендан ҳайиқадиган бўлсин. Мен барпо
қилган шу уй Сенга атаб қилинганини билсин.

34 Сен халқингни ғанимларига қарши жанг қилишга юборганингда, улар
Ўзинг танлаб олган бу шаҳарга, Сенга атаб мен қурган уйга юз буриб,
ибодат қилсалар, 35 самодан туриб уларнинг илтижоларини эшит, бажо
айла.

36 Сенинг олдингда улар гуноҳ қилганларида, чунки гуноҳ қилмайдиган
одамнинг ўзи йўқ, Сен ғазабланиб, уларни яқин ёки узоқ юртларга асир
қилиб олиб кетадиган душманларнинг қўлига берганингда, 37 улар
ғанимлари юртида асирликда юриб, эсини йиғиб олгач: «Гуноҳ қилдик,
шаккоклик қилдик, айбдормиз», деб тавба қилиб, Сенга ёлворсалар, 38 асир
бўлган юртда бутун қалби билан, жону дили билан Сенга қайтсалар, Ўзинг
ота–боболарига берган юртга, Ўзинг танлаб олган шаҳарга, Сенга атаб мен
қурган уйга юз буриб, ибодат қилсалар, 39 самодан — маконингдан туриб

уларнинг қилган илтижоларини эшит, бажо айла. Халқинг Сенга қарши
қанча гуноҳ қилган бўлмасин, уларни кечир.
40 Энди, эй Худойим, бизга назар сол, шу жойда қилган ибодатларимизга
қулоқ тут.

41 Қани, эй Парвардигор Эгам, кел оромгоҳингга
Қудратинг рамзи бўлган Сандиқ билан бирга.
Эй Парвардигор Эгам!
Руҳонийларинг нажот кийимларини кийишсин.
Тақводорларинг эзгулигингдан шод бўлишсин.
42 Эй Парвардигор Эгам!
Танлаган шоҳингни рад қилмагин!
Қулинг Довудга кўрсатган севгингни ёдингда тутгин.”

7–БОБ

Маъбад Эгамизга бағишланади

1 Сулаймон ибодат қилиб бўлиши биланоқ, осмондан аланга тушиб,
куйдириладиган ва бошқа қурбонликларни ямлаб юборди. Эгамизнинг
улуғворлиги Маъбадни тўлдирди. 2 Шунинг учун руҳонийлар Эгамизнинг уйига
кира олмадилар. 3 Жамики Исроил халқи олов тушганини ва Эгамизнинг
улуғворлиги Маъбадни тўлдирганини кўргач, ҳаммалари ерга мук тушиб, таъзим
қилдилар ва Эгамизга сажда қилиб, Унга шукрона айтдилар:

“Эгамиз яхшидир,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.”

4 Шундан кейин шоҳ ва барча халқ Эгамизга атаб қурбонлик қилдилар. 5 Шоҳ
Сулаймон 22.000 буқани, 120.000 қўйни Эгамизга атаб қурбонлик қилди. Шу
тариқа шоҳ ва бутун халқ Маъбадни Эгамизга бағишладилар. 6 Руҳонийлар ўз
жойларини эгалладилар. Левилар ҳам мусиқа асбобларини кўтариб, руҳонийлар
сингари ўз жойларига турдилар. Довуд бу мусиқа асбобларини Эгамизга ҳамду
сано айтиш учун ясаттирган эди, Довуднинг ўзи Эгамизни мадҳ этиб, “Унинг
содиқ севгиси абадийдир” деб ҳамду сано айтганда, ўша мусиқа асбобларидан
фойдаланган эди. Халқ тик турар, левиларнинг қаршисидан жой олган
руҳонийлар эса карнайлар чалардилар.
7 Сулаймон Эгамизнинг уйи олдидаги ҳовли ўртасини ҳам муқаддас қилди.
Сўнг ўша ерда куйдириладиган қурбонликлар, дон назрлари ва тинчлик
қурбонликларининг ёғини назр қилди, чунки буларнинг ҳаммаси у ясаттирган
бронза қурбонгоҳ устига сиғмаган эди.
8 Кейин Сулаймон ва у билан бирга ниҳоятда катта жамоа — Лево–Хоматдан*
тортиб, Миср чегарасидаги ирмоққа* қадар ерларда яшайдиган бутун Исроил
халқи етти кун давомида Чайла байрамини* нишонлашди. 9 Улар етти кун
қурбонгоҳнинг Худога бағишланишини нишонлашди, кейин яна етти кун Чайла
байрамини қилишди. Чайла байрамидан кейин* муқаддас йиғин қилишди.
10 Еттинчи ойнинг* йигирма учинчи куни Сулаймон халқни ўз уйларига жўнатди.
Эгамизнинг Довудга, Сулаймонга ва Исроил халқига кўрсатган мурувватi
туфайли ҳамманинг кўнгли шодликка тўлган эди.
11 Сулаймон Эгамизнинг уйини ҳам, ўзининг саройини ҳам қуриб бўлди.
Мўлжалланган ҳамма юмушларни муваффақият билан тамом қилди.

Худо Сулаймонга зоҳир бўлади

12 Кейин Эгамиз кечаси Сулаймонга зоҳир бўлиб, унга айтди:

“Менга қилган илтижоларингни эшитдим, бу уйни Ўзимга
қурбонликлар келтириладиган жой қилиб танладим. 13 Ёмғир ёғмасин деб,
осмонни беркитганимда, ёки чигирткаларга*, ер юзини еб битиринглар
деб, амр берганимда, ёхуд халқимнинг орасига ўлат касалини
юборганимда, 14 Менинг номим билан аталган халқим тавба қилиб, Менга
илтижо қилса, Менга юз буриб қабиҳ йўлларидан қайтса, Мен осмондан
туриб уларнинг илтижоларини эшитаман, гуноҳларини кечириб, юртига
шифо бераман. 15 Энди сизларга назаримни соламан, бу жойда қилган
ибодатларингизга қулоқ тутаман. 16 Мен то абад улуғланишим учун бу
уйни танлаб, муқаддас қилдим. Бу уйдан кўзимни узмайман, қалбим у ерни
маскан қилади.
17 Агар сен Менинг олдимда отанг Довуд каби юрсанг, Мен амр этган
ҳамма фармонларимни ижро этсанг, қонун–қоидаларимни маҳкам тутсанг,
18 шоҳлик тахтингни абадий мустаҳкам қиламан. Шунда отанг Довуд билан
тузган аҳдим, унга: «Сенинг наслингдан бўлган эркак зоти то абад
Исроилда ҳукмронлик қилади», деб айтган гапларим* амалга ошади.
19 Борди–ю, сен ва сенинг наслинг йўлимдан қайтсангиз, берган амр ва
фармонларимни тарк этсангиз, бориб бошқа худоларга хизмат қилсангиз,
уларга топинсангиз, 20 сизларни Ўзим берган юртдан қўпориб ташлайман.
Улуғланишим учун муқаддас қилган бу уйни тарк этаман. Ана ўшанда бу уй
ҳамманинг оғзида дув–дув гап бўлади, ҳамма халқлар уйимни масхара
қилади. 21 Ҳозир ажойиб бўлиб турган уйнинг ёнидан ўтганлар даҳшатга
тушадилар:
— Нимага уларнинг Эгаси бу юртни ва бу уйни мана шу аҳволга солди
экан–а? — дейдиган бўладилар. 22 Сўнг яна ўзлари шундай хулоса
чиқарадилар:
— Эҳа, улар ота–боболарини Миср юртидан олиб чиққан Эгаси Худодан
юз ўгирдилар–ку! Бошқа худоларга эргашиб, ўша худоларга топиниб,
хизмат қилдилар–ку! Қилмишларига яраша ўзларининг Эгаси уларнинг
бошига шу кўргиликларни солибди–да.”

8–БОБ

Шоҳ Сулаймоннинг эришган ютуқлари

1 Сулаймон Эгамизнинг уйини ва ўз саройини йигирма йилда битирган эди.
2 Сўнгра у шоҳ Хирам берган шаҳарларни қайтадан қуриб, Исроил халқини ўша
шаҳарларга жойлаштирди.
3 Сулаймон Хомат–Зўвога* юриш қилиб, у жойни қўлга киритди. 4 У саҳродаги
Тадмўр шаҳрини ва Хоматдаги омбор шаҳарларни тузатиб мустаҳкамлади. 5 У яна
Тепадаги Байт–Хўронни ва Пастки Байт–Хўронни қайтадан қурди, бу шаҳарларни
девор билан ўради, тамбаланадиган дарвозалар ўрнатди. 6 Баалат шаҳрини,
ўзининг ҳамма омбор шаҳарларини, ҳамма жанг аравалари сақланадиган
шаҳарларни, отлиқлари* турадиган шаҳарларини қайтадан тузатиб
мустаҳкамлади. Бундан ташқари, Қуддусда, Лубнонда, шоҳликнинг ҳамма
бурчакларида нима истаса, барпо қилди. 7 Канъонда қолиб кетган Амор, Париз,
Хив, Хет ва Ёбус халқлари Исроил халқидан эмасди. 8 Исроил халқи уларнинг бу

юртда қолиб кетган авлодларини қириб битирмаган эди. Сулаймон ўша қолиб кетганларини қарол қилиб олди. Улар бугунгача* бор. 9 Лекин Сулаймон Исроил халқидан бирортасини қароллик учун қул қилмади. Аксинча, уларни шоҳнинг сипоҳлари, аъёнлари, жанг араваларининг қўмондонлари ва суворияларининг қўмондонлари лавозимига тайинлади. 10 Сулаймоннинг ишбошилари 250 киши бўлиб, улар одамлар устидан назоратчи эдилар.

11 Сулаймон фиръавннинг қизини Довуд қалъасидан унга атаб барпо қилган янги саройга кўчиртирди. У шундай деган эди: “Менинг хотиним Довуд қалъасида ортиқ яшай олмайди, чунки Эгамизнинг Сандиғи сақланган ҳар қандай жой муқаддасдир.”

12 Сулаймон Маъбад айвонининг қаршисида қурган қурбонгоҳ устида Эгамизга қурбонликлар куйдира бошлади. 13 Бу қурбонликларни у Мусонинг талабларига риоя қилган ҳолда, Шаббат кунларида, янги ой шодиёналарида ва йилда бир мартадан нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрамида, Ҳосил байрамида* ва Чайла байрамида келтирар эди. 14 Сулаймон, отаси Довуд жорий қилган қоидага кўра, руҳонийлар ва левиларнинг хизматларини тақсимлаб берди. Левилар Эгамизни мадҳ қилишда ва кундалик ишларда руҳонийларга ёрдам берардилар. Сулаймон Маъбад дарвозабонларини ҳам гуруҳларга бўлиб, ҳар бир дарвозада уларнинг ҳар куни қиладиган ишларини тақсимлаб берди. У буларнинг ҳаммасини Худонинг одами Довуднинг фармонига мувофиқ қилди. 15 Шоҳ Довуднинг руҳонийларга, левиларга, хазиначиларга ва бошқа нарсаларга оид бирорта кўрсатмаси эътибордан четда қолмади.

16 Шундай қилиб, Сулаймон ҳамма ишни ўз ниҳоясига етказди. Эгамиз уйининг пойдевори қўйилгандан бошлаб, то уй тамомила қурилиб бўлгунча бажарилган ҳамма иш муваффақиятли бўлди. 17 Шундан сўнг Сулаймон Эдом юртидаги Қизил денгиз* қирғоғида жойлашган Эзйўн–Гебер ва Элет шаҳарларига кетди. 18 Шоҳ Хирам ўз кемачилари ва тажрибали денгизчилари бошчилигида кемаларни Сулаймонга жўнатди. Улар Сулаймоннинг одамлари билан бирга Офир юртига* сузиб бориб, у ердан Сулаймонга 960 пуд* олтин келтириб бердилар.

9–БОБ

Шава маликаси Қуддусга ташриф буюради

1 Шава* маликаси Сулаймоннинг донғини эшитгач, Қуддусга келди. У Сулаймонга топишмоқлар айтиб синаб кўрмоқчи эди. Малика ўзи билан жуда кўп миқдорда олтин ва қимматбаҳо тошлар, хушбўй зираворлар юкланган катта карвонни бошлаб келган эди. Малика Сулаймоннинг ҳузурига киргач, кўнглида нима бўлса, ҳаммасини унга айтди. 2 Сулаймон маликанинг ҳамма саволларига жавоб берди, маликанинг биронта саволига жавоб беришда қийналмади. 3 Шава маликаси Сулаймоннинг донолигини, у қурган саройни, 4 дастурхонидаги ноз–неъматларни, хизматкорларининг яшаш шароитларини, шоҳ соқийларию* баковулларини* ҳамда уларнинг хизмат либосларини, Эгамизнинг уйида шоҳ Сулаймон куйдириб, назр қилган қурбонликларни* кўрди. Малика ғоят ҳайратланиб, 5 шоҳга деди:

— Сизнинг ишларингиз, донолигингиз ҳақида юртимда эшитганларим тўғри экан. 6 Келиб ўз кўзларим билан кўрмагунимча, гап–сўзларга ишонмаган эдим. Менга донолигингизнинг ҳатто ярмини ҳам айтишмаган экан. Мен эшитгандан ҳам ортиқ бўлиб чиқдингиз! 7 Нақадар бахтиёрдир одамларингиз! Омадлидир хизматкорларингиз! Улар доимо ҳузурингизда бўлиб, донолигингиздан баҳра

олишар. 8 Сиздан мамнун бўлиб, Ўз вакили сифатида сизни Исроил тахти узра
ўтқазган Эгангиз Худога ҳамду санолар бўлсин. У Исроилни то абад севгани учун
адолат ва тўғрилик билан ҳукм этсин деб, сизни шоҳ қилган экан.
9 Малика Сулаймонга 250 пуд* олтин, беҳисоб хушбўй зираворлар ва
қимматбаҳо тошлар ҳадя қилди. Шава маликаси ҳадя қилган хушбўй
зираворларнинг сифати шу қадар юқори эдики, уларга тенг келадигани йўқ эди.
10 Хирам билан Сулаймоннинг Офирдан олтин олиб келган хизматкорлари
сандал дарахти ёғочлари ва қимматбаҳо тошларни ҳам келтиргандилар. 11 Шоҳ
ўша ёғочлардан Эгамизнинг уйи учун ҳам, шоҳ саройи учун ҳам зиналар,
мусиқачилар учун лира ва арфалар ясаттирди. Буларга ўхшаганини Яҳудо юртида
ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган.
12 Шоҳ Сулаймон Шава маликасига истаганини ва сўраганининг ҳаммасини
муҳайё қилди, маликага олиб келганидан ҳам зиёдроқ нарса берди. Шундан
кейин малика ҳамма одамларини эргаштириб ўз юртига жўнаб кетди.

Шоҳ Сулаймоннинг бойлиги

13 Ҳар йили Сулаймонга келиб турадиган олтиннинг оғирлиги 1425 пуд* эди.
14 Одамлар ва савдогарларнинг олди–сотдисидан олинадиган солиқ бунга
кирмасди. Араб шоҳлари ва Исроил ҳокимлари ҳам Сулаймонга олтин, кумуш
олиб келишарди. 15 Шоҳ Сулаймон олтиндан икки юзта катта қалқон ясаттирди.
Ҳар бир қалқонни ясашга ярим пуд* олтин сарф бўлди. 16 Яна олтиндан уч юзта
кичик қалқон ҳам ясаттирди. Ҳар бир қалқон учун 400 мисқол олтин* сарфланди.
Шоҳ бу қалқонларни “Лубнон ўрмони” деган уйига* қўйди.
17 У яна фил суягидан катта тахт ясатиб, уни тоза олтин билан қоплатди.
18 Тахтнинг олтита поғонаси ва ўриндиққа уланган олтин оёқ курсиси бор эди.
Ўриндиқнинг икки томонида тирсаги бор эди. Тирсакларнинг ёнида иккита шер
тасвири турарди. 19 Ҳар бир поғонанинг икки чеккасида ҳам биттадан шер
тасвири бўлиб, тахтнинг олти поғонасида жами ўн иккита шер тасвири бор эди.
Бундай тахт бошқа бирорта шоҳликда бўлмаган эди. 20 Шоҳ Сулаймоннинг
ичимлик ичадиган ҳамма идишлари олтиндан, “Лубнон ўрмони” деган уйидаги
ҳамма идишлар ҳам тоза олтиндан эди. Сулаймон даврида кумуш арзимас нарса
бўлиб қолган эди. 21 Денгизда, Хирамнинг кемалари қаторида, Сулаймоннинг ҳам
савдо кемалари* бўлиб, бу кемалар ҳар уч йилда олтин, кумуш, фил суяги,
турли–туман маймунлар* олиб қайтарди.
22 Шундай қилиб, Сулаймон бойликда ҳам, доноликда ҳам ер юзидаги ҳамма
шоҳлардан ўтиб кетди. 23 Сулаймонга Худо берган доноликни эшитмоқ учун ер
юзидаги ҳамма шоҳлар унинг олдига келгани ошиқарди. 24 Келганларнинг ҳар
бири кумуш ва олтин идишлар, кийим, қурол–аслаҳа, хушбўй зираворлар, от ва
хачирлар ҳадя қилиб олиб келар эди. Бундай ҳол йиллаб давом этарди.
25 Сулаймоннинг отлари ва жанг аравалари учун 4000 та отхонаси, булардан
ташқари, 12.000 та учқур оти* ҳам бор эди. Сулаймон отларнинг бир қисмини
аравалар сақланадиган шаҳарларга, иккинчи қисмини ўз ёнига — Қуддусга
жойлаштирган эди. 26 У Фурот дарёсидан то Филистлар ерига қадар ва Миср
чегараларига қадар бўлган ҳамма шоҳлар устидан ҳукмронлик қиларди. 27 Унинг
ҳукмронлиги даврида Қуддусда кумуш кўчадаги тошдай кўп эди. Садр ёғочлари
ҳам худди Яҳудо қир этакларида ўсадиган оддий шикамора–анжир дарахтидай*
сероб эди. 28 Шоҳнинг савдогарлари Сулаймон учун Мисрдан* ва бошқа барча
юртлардан отлар олиб келишарди.

Сулаймоннинг ўлими

29 Сулаймоннинг бошқа ишлари бошдан охиригача Натан пайғамбарнинг
тарих китобида, Шилўлик Охиёнинг башоратларида ва валий Йиддонинг
ваҳийларида баён этилган. Валий Йиддонинг ваҳийларида Набат ўғли Ерибом
ҳукмронлиги тўғрисида ҳам ёзилган. 30 Сулаймон Қуддусда бутун Исроил устидан
ҳукмдор эди. Унинг ҳукмронлиги қирқ йил давом этди. 31 Сулаймон оламдан ўтди.
У отаси Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли
Рахабом шоҳ бўлди.

10–БОБ

Шимолдаги қабилалар қўзғолони

1 Рахабом Шакам шаҳрига* кетди. Жамики Исроил халқи* ҳам, Рахабомни шоҳ
қилиб кўтарамиз деб, Шакамга келишди. 2 Набат ўғли Ерибом бу ҳақда эшитиб,
Мисрдан қайтди. У Сулаймоннинг дастидан Мисрга қочган эди. 3 Исроил халқи
одам юбориб, уни чақиртириб келди. Сўнг Ерибом билан биргаликда ҳаммаси
Рахабом ҳузурига келиб, унга шу гапни айтишди:

4 — Отангиз бизга оғир бўйинтуруқ солиб, оғир меҳнат қилишга бизни
мажбурлаган эди. Энди сиз меҳнатимизни енгиллатиб, бизни бўйинтуруқдан
халос қилинг. Ўшанда биз сизга итоат этамиз.

5 — Уч кундан кейин ҳузуримга келинглар, — деди Рахабом келганларга.

Шундай қилиб, халқ қайтиб кетди.

6 Шоҳ Рахабомнинг отаси Сулаймон ҳаётлиги даврида оқсоқоллар ҳар доим
унинг олдида ҳозиру нозир эдилар. Шоҳ ўша оқсоқолларга маслаҳат солди:

— Сизлар нима дейсизлар, бу халққа нима деб жавоб берсам бўлади?

7 Оқсоқоллар шоҳга шундай деб маслаҳат беришди:

— Агар сиз бу халққа меҳр кўрсатиб, уларни мамнун қилсангиз, улардан яхши
сўзингизни аямасангиз, улар сизга бир умр хизмат қиладилар.

8 Лекин шоҳ оқсоқолларнинг маслаҳатини рад қилди. Бирга ўсган ва ўзига
хизмат қилаётган ёш йигитлар билан маслаҳатлашди. 9 Шоҳ ўша йигитларга деди:

— Бу халқ менга: “Отангиз бизга солган оғир бўйинтуруқдан энди бизни сиз
халос қилинг”, деяпти. Уларга нима деб жавоб берайин? Сизлар қандай маслаҳат
берасизлар?

10 Рахабом билан бирга ўсиб–улғайган ёш йигитлар унга шундай маслаҳат
беришди:

— Арз қилган ўша халққа шундай деб айт: “Менинг жимжилоғим отамнинг
белидан ҳам йўғон. 11 Отам сизларга оғир бўйинтуруқ солган эди, энди мен ундан
ҳам баттарроғини қиламан. Отам сизларни қамчи билан жазолаган экан, мен эса
чаёнларга чақтириб, жазолайман.”

12 Рахабом Ерибомга ва халққа: “Учинчи куни ҳузуримга келинглар”, деб
айтгани учун халқ айтилган пайтда шоҳ Рахабомнинг ҳузурига келди. 13-14 Шоҳ
оқсоқолларнинг берган маслаҳатларини писанд қилмай, ёш йигитларнинг гапига
кириб, халққа кескин жавоб берди:

— Отам сизларга оғир бўйинтуруқ солган эди, энди мен ундан ҳам
баттарроғини қиламан. Отам сизларни қамчи билан уриб жазолаган экан, мен эса
чаёнларга чақтириб жазолайман.

15 Шундай қилиб, шоҳ халққа қулоқ солмади. Эгамизнинг Шилўлик Охиё
орқали Набат ўғли Ерибомга берган сўзи* бажо бўлиши учун Худо бу воқеани
шундай режалаштирган эди. 16 Исроил халқи қарасаки, шоҳ гапга қулоқ

солмаяпти. Шундан кейин халқ унга шундай хитоб қилди:

“Эссай ўғли Довуднинг бизга ўтказиб қўйган жойи йўқ,
Бизнинг ҳам ундан қарзимиз йўқ!
Эй Исроил халқи, ҳар бирингиз ўз уйингизга қайтинг!
Эй Довуд, энди ўз кўмочингга ўзинг кул тортавер!”

Шундай қилиб, Исроил халқи уйларига тарқалиб кетди. 17 Рахабом фақат Яҳудо шаҳарларида яшайдиган Исроил халқи устидангина ҳукмронлик қиладиган бўлиб қолди.

18 Шоҳ Рахабом қароллар бошлиғи Одонирамни* Исроил халқи олдига юборган эди, Исроил* халқи уни тошбўрон қилиб ўлдирди. Бу хабарни шоҳ Рахабом эшитди–ю, шоша–пиша жанг аравасига миниб Қуддусга қочди. 19 Исроил халқи ўша кундан бошлаб Довуд хонадонидан юз ўгирди.

11–БОБ

Шамаёнинг башорати

1 Рахабом Қуддусга келиб, Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан 180.000 одамни сипоҳликка танлаб олди. “Шоҳликни қайтариб оламан” деган мақсадда уларни Исроил халқига қарши жанг қилиш учун тайёрлади. 2 Лекин ўшанда Шамаё пайғамбарга Эгамизнинг қуйидаги сўзлари аён бўлди:

3 — Яҳудо шоҳи Сулаймон ўғли Рахабомга ҳамда Яҳудо ва Бенямин ҳудудларида истиқомат қилаётган бутун Исроил халқига шу гапларни етказ:
4 “Эгамиз шундай деб айтмоқда: қариндошларингизга қарши уруш бошламанглар! Ҳар ким ўз уйига қайтсин! Чунки бу ишлар ҳаммаси Мендан бўлди.”

Улар Эгамизнинг амрига итоат этиб, Ерибомга қарши уруш қилмадилар.

5 Рахабом Қуддусда яшади, у мудофаа учун Яҳудодаги қуйидаги шаҳарларни мустаҳкамлади: 6 Байтлаҳм, Этом, Тахува, 7 Байт–Зур, Сўху, Адуллам, 8 Гат, Моришо, Зиф, 9 Одорайим, Лахиш, Озикаҳ, 10 Зорох, Ойжавлон ва Хеврон. Бу шаҳарлар Яҳудо ва Бенямин ҳудудларидаги мустаҳкам шаҳарлар бўлди.
11 Рахабом қалъаларни мустаҳкамлади. У ерга қўмондонлар тайин қилиб, озиқ–овқат, зайтун мойи ва шароб ғамлади. 12 Ҳар бир шаҳарни қалқон ва найзалар билан таъминлаб, мудофаани ғоят кучайтирди. Шу тариқа у Яҳудо ва Бенямин қабилаларини қўли остида сақлади.

Руҳонийлар ва левилар Яҳудо юртига келадилар

13 Исроилнинг барча ҳудудларидаги руҳонийлар ва левилар Рахабомнинг тарафдорлари эдилар. 14 Левилар ҳатто ўз яйловларини ва мулкларини ташлаб, Яҳудо ва Қуддусга келган эдилар. Чунки Исроил шоҳи Ерибом ва унинг ўғиллари левиларга Эгамизнинг руҳонийлари сифатида хизмат қилишга йўл қўймаган эдилар. 15 Ерибом саждагоҳларда* хизмат қилиш учун ўз руҳонийларини тайинлади. Улар Ерибом ясаттирган олтин бузоқларга ва эчки жинларга* топинар эдилар. 16 Исроилнинг ҳамма қабилаларидан Эгамизга* чин юракдан интилганлар эса левилар ва руҳонийларга эргашиб, Қуддусга келдилар. Улар Қуддусда ота–боболарининг Худоси — Эгамизга қурбонлик қилишарди. 17 Бунинг натижасида Яҳудо шоҳлиги мустаҳкам бўлди. Улар Довуд билан Сулаймонга қандай хизмат қилган бўлсалар, Рахабомга ҳам уч йил давомида садоқат билан хизмат қилдилар.

Рахабомнинг хонадони

18 Рахабом Довуд ўғли Яримўтнинг қизи Махалатга уйланди. Махалатнинг
онаси Абуҳайил, Эссай ўғли Элиёбнинг қизи эди. 19 Махалат Рахабомга Ёуш,
Шамариё ва Заҳам деган ўғиллар туғиб берди. 20 Кейинчалик Рахабом
Абсаломнинг қизи Махони* ўзига хотин қилиб олди. Махо унга Абиё, Аттай, Зизо
ва Шалумит деган ўғиллар туғиб берди. 21 Рахабом бошқа хотинлари ва
канизакларига* қараганда, Абсаломнинг қизи Махони яхши кўрарди.
Рахабомнинг ўн саккизта хотини ва олтмишта канизаги бўлиб, у йигирма саккиз
ўғил ва олтмиш қиз кўрди.
22 Рахабом хотини Махо туққан ўғли Абиёни тахт вориси қилиш ниятида,
ҳамма ака–укалари орасида бош шаҳзода қилиб тайинлади. 23 Рахабом доноларча
иш тутиб, қолган ўғилларига масъулиятни тақсимлаб берди, уларни Яҳудо ва
Бенямин ҳудудидаги мустаҳкам шаҳарларга ўрнаштирди. Уларга ҳамма нарсани
мўл қилиб етказди, уларни кўп хотинларга уйлантирди.

12–БОБ

Миср Яҳудо юртига ҳужум қилади

1 Рахабом ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб, кучайиб кетгач, у билан бирга
бутун халқ Эгамизнинг қонунларидан юз ўгирди. 2 Улар Эгамизга қилган
бевафолиги учун Рахабом ҳукмронлигининг бешинчи йилида* Миср шоҳи Шишах
Қуддусга бостириб келди. 3 Шишах ўзи билан 1200 та жанг аравасини, 60.000
нафар отлиқ лашкарни, шунингдек, Мисрдан Ливиялик, Сухотлик ва
Ҳабашистонлик* сон–саноқсиз қўшинни тортиб келди. 4 Шишах Яҳудонинг
мустаҳкам шаҳарларини қўлга киритиб, Қуддусгача етиб борди.
5 Шунда Шамаё пайғамбар шоҳ Рахабомнинг ва Яҳудо лашкарбошиларининг
олдига келди. Улар ўша пайтда Шишахдан қочиб, Қуддусга тўпланишган эди.
Шамаё пайғамбар уларга деди:
— Эгамиз шундай демоқда: “Сизлар Мени тарк этдингиз, шунинг учун Мен ҳам
сизларни тарк этиб, Шишахнинг қўлига бераман.”
6 Шунда лашкарбошилар билан шоҳ ўз айбларини тан олиб: “Эгамиз
адолатлидир”, дедилар. 7 Улар айбларини тан олганларини Эгамиз кўргач,
Шамаёга шу сўзларини аён қилди: “Улар гуноҳларига иқрор бўлдилар, шунинг
учун уларни қириб ташламайман. Шишах ҳужум қилганда, уларни қисман халос
этаман. Шишахнинг қўли орқали Қуддусга ғазабимни сочмайман. 8 Бироқ уларни
Шишахга қарам қилиб қўяман, шунда улар Менга хизмат қилиш билан бошқа
юртларнинг шоҳларига хизмат қилиш орасидаги фарқни билиб оладилар.”
9 Миср шоҳи Шишах Қуддусга бостириб келганда, Эгамизнинг уйидаги ва
саройдаги хазиналарни тортиб олди, қўлига нима илинса, ҳаммасини олди.
Сулаймон ясаттирган олтин қалқонларни ҳам олди. 10 Шоҳ Рахабом олтин
қалқонлар ўрнига бронза қалқонлар ясаттирди ва уларни шоҳ саройи
дарвозасини қўриқлайдиган соқчилар бошлиқлари қўлига берди. 11 Шоҳ
Эгамизнинг уйига кирганда, соқчилар қалқонларни кўтариб боришар, кейин эса
қалқонларни жойига элтиб қўйишарди. 12 Рахабом ўз айбларини тан олгани учун
Эгамиз ғазабидан тушиб, Яҳудо халқини тамомила қириб юбормади. Яҳудодаги
аҳвол яхшиланди.

Рахабомнинг ҳукмронлиги

13 Шоҳ Рахабом Қуддусда ҳукмронлик қилиб, кучайиб бораверди. У тахтга
ўтирган пайтда қирқ бир ёшда эди. Унинг онаси Оммонлик бўлиб, исми Намах

эди. Рахабом Қуддусда ўн етти йил шоҳлик қилди. Эгамиз ҳамма Исроил қабилаларининг шаҳарлари орасидан Қуддус шаҳрини Ўзига сажда қилишлари учун танлаб олган эди. 14 Рахабом чин юракдан Эгамизга интилмагани учун қабиҳлик қилаверди.

15 Рахабом билан Еribом бутун умри давомида уришиб келдилар. Рахабомнинг бутун фаолияти бошдан охиргача Шамаё пайғамбар ва валий Йиддо ёзган насабномада баён этилган. 16 Ниҳоят, Рахабом оламдан ўтиб, Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг ўрнига ўғли Абиё шоҳ бўлди.

13–БОБ

Абиё билан Еribом ўртасидаги уруш

1 Исроил шоҳи Еribом ҳукмронлик қилаётганига ўн саккиз йил бўлганда, Абиё Яҳудога шоҳ бўлди. 2 У Қуддусда уч йил шоҳлик қилди. Онасининг исми Махо* бўлиб, Гиволик Уриёлнинг қизи эди.

Абиё билан Еribом ўртасида уруш бўлди. 3 Абиё сараланган одамлардан ташкил топган 400.000 нафар ботир жангчисини урушга бошлади. Еribом эса Абиёга қарши 800.000 нафар сараланган баҳодир жангчини саф торттирди. 4 Абиё Эфрайим қирларидаги Заморайим тоғи ён бағрига чиқиб, гапирди:

> “Эй Еribом ва бутун Исроил халқи, гапимни эшитинг! 5 Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шоҳ Довуд билан қатъий аҳд тузиб, Исроил устидан ҳукмронлик қилишни то абад унга ва унинг наслига топширган. Наҳотки буни билмасангиз?! 6 Шундай бўлса–да, Набат ўғли Еribом Довуд ўғли Сулаймоннинг хизматида бўла туриб, ўз хўжайинига қарши бош кўтарди. 7 Атрофига бир гуруҳ аллақандай ярамас одамларни тўплаб, Сулаймон ўғли Рахабомга қарши фитна уюштирди. Рахабом ўша пайтда ёш, тажрибасиз бўлгани учун уларга қаршилик кўрсата олмади.
>
> 8 Энди эса сизлар Довуд насли қўлидаги Эгамизнинг шоҳлигига қарши уруш қилмоқчисизлар. Ҳа, сизлар кўпчиликсиз. Еribом худолар сифатида ясаттириб берган олтин бузоқлар* ҳам ёнингизда. 9 Сизлар Ҳоруннинг наслидан бўлган Эгамизнинг руҳонийларини ва левиларни қувиб юбордингизлар. Бегона халқлардан ўрнак олиб, оддий одамларни руҳоний қилиб тайинладингизлар. Қойил–э! Ёш буқаси ёки еттита қўчқори бўлган ҳар ким сохта худоларингизга руҳонийлик қила олади–я!
>
> 10 Лекин Худойимиз Эгамиздир, биз Ундан юз ўгирмадик. Эгамизга хизмат қилаётган руҳонийларимиз Ҳорун наслидандир. Левилар уларга хизматда ёрдам беришяпти. 11 Улар ҳар куни эрталаб ва кечқурун Эгамизга куйдириладиган қурбонликлар аташади, хушбўй тутатқилар тутатишади, покланган хонтахтага муқаддас нонлар қўйишади, ҳар оқшом олтин чироқпоядаги мойчироқларни ёқишади. Ҳа, биз Эгамиз Худонинг талабларини бажарамиз, сизлар эса Уни тарк этдингизлар. 12 Худо биз билан биргадир, У бизнинг йўлбошчимиздир. Унинг руҳонийлари карнайлар чалиб, сизларга қарши жангга даъват қилади. Эй Исроил халқи! Ота–боболарингизнинг Худоси — Эгамизга қарши жанг қилманг, сиз барибир муваффақиятга эришмайсиз!”

13 Шу орада Еribом билдирмай сипоҳларининг бир қисмини Яҳудо лашкарининг орқа томонига пистирма қўйиш учун жўнатди. Сипоҳларининг

асосий қисми эса Яҳудо лашкарининг олд томонида саф тортган эди. 14 Яҳудо
лашкари қарашса, қуршовда қолишибди. Улар Эгамиздан ёрдам сўраб ёлворишди,
руҳонийлар карнайларини чалишди. 15 Яҳудо лашкари овози борича ҳайқиришди.
Уларнинг жанговар ҳайқириғи остида Худо Ерибомни ҳамда бутун Исроил
лашкарини Абиё ва Яҳудо халқи олдида мағлуб қилди. 16 Исроил лашкари Яҳудо
лашкари олдига тушиб қочишди. Худо Исроил лашкарини Яҳудо лашкарининг
қўлига берди. 17 Абиё ва унинг лашкари уларга оғир талафот етказдилар. Исроил
лашкарининг 500.000 нафар сараланган сипоҳи қурбон бўлди. 18 Яҳудо лашкари
ота–боболарининг Худоси — Эгамизга таянгани учун жангда Исроил лашкарини
мағлуб қилиб, ғалабага эришган эди.
19 Абиё Ерибомни таъқиб қилиб, Байтил, Яшоно ва Эфрўн шаҳарларини ҳамда
ўша шаҳарлар атрофидаги қишлоқларни қўлга киритди. 20 Ерибом Абиё даврида
олдинги қудратини тиклай олмади. Эгамиз шоҳ Ерибомнинг жонини олиб, уни
ҳалок қилди.
21 Абиё эса кучайиб бораверди. У ўн тўртта хотинга уйланиб, йигирма иккита
ўғил ва ўн олтита қиз кўрди.
22 Абиёнинг бошқа ишлари, унинг фаолияти ва тутган йўллари Йиддо
пайғамбарнинг тарихида баён этилган.

14–БОБ

Шоҳ Осо Ҳабашистонни мағлуб қилади

1 Абиё оламдан ўтди. Уни Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн
қилдилар, унинг ўрнига ўғли Осо шоҳ бўлди. Унинг ҳукмронлиги даврида юртда
ўн йил тинчлик, осойишталик бўлди. 2 Осо Эгаси Худонинг олдида яхши ва тўғри
ишлар қилди. 3 У бегона худоларга аталган қурбонгоҳларни ва саждагоҳларни*
йўқ қилди, бутсимон тошларни парчалаб ташлади, Ашеранинг* устунларини
кесди. 4 Осо Яҳудо халқига: “Ота–боболарингизнинг Худоси — Эгамизга юз
буринг, Унинг қонун ва амрларига риоя қилинг”, деб фармон берди. 5 У Яҳудонинг
ҳамма шаҳарларидан саждагоҳларни ва тутатқи қурбонгоҳларини йўқотди. Унинг
ҳукмронлиги даврида шоҳликда тинчлик, осойишталик бўлди. 6 Юртда тинчлик
ҳукмрон бўлган пайтда, Осо Яҳудодаги шаҳарларни мустаҳкамлади. Эгамиз унга
осойишталик ато қилгани учун ўша йиллари уруш бўлмади. 7 Осо Яҳудо халқига
айтди: “Келинглар, шаҳарларни деворлар билан ўрайлик, миноралар қурайлик,
тамбаланадиган дарвозалар ўрнатиб, шаҳарларни мустаҳкамлайлик. Биз Эгамиз
Худога итоат қилганимиз учун, бу юрт ҳали ҳам бизники. Худо бизга ҳар тарафдан
осойишталик ато қилган.” Шундай қилиб, улар қурилиш қилдилар,
ҳузур–ҳаловатга етишдилар. 8 Осонинг Яҳудо қабиласидан 300.000 сипоҳи бўлиб,
улар қалқон ва найзалар билан қуролланган эдилар. Бенямин қабиласидан эса
280.000 сипоҳи бўлиб, улар қалқон ва ёйлар билан қуролланган эдилар. Уларнинг
ҳаммаси баҳодир жангчилар эди.
9 Ҳабашистонлик* Зерах беҳисоб лашкари ва 300 жанг араваси билан Яҳудо
юртига ҳужум қилиб, Моришо шаҳригача* бостириб борди. 10 Осо унга қарши
йўлга отланди. Иккала томон Моришо яқинидаги Зафито водийсида саф
тортишди. 11 Осо ўзининг Эгаси Худога илтижо қилди: “Эй Эгамиз! Ёлғиз Сенгина
заиф одамга кучли рақибини мағлуб қилишга ёрдам бера оласан. Эй Эгамиз Худо!
Бизга ёрдам бер! Биз Сенга таянамиз. Сенинг номинг билан бу беҳисоб лашкарга
қарши жангга отландик. Эй Эгамиз! Сен бизнинг Худойимизсан. Инсон зоти Сени
мағлуб қилишига йўл қўйма!”

12 Осо ва Яҳудо лашкари ҳужумни бошлагач, Эгамиз Ҳабашистонликларни
мағлуб қилди. Ҳабашистонликлар қоча бошладилар. 13 Осо лашкари билан уларни
Гароргача* қувиб борди. Ҳабашистонликларнинг бирортаси ҳам қочиб қутула
олмади. Уларнинг ҳаммаси Эгамизнинг ва Унинг лашкари олдида қирилиб кетди.
Яҳудо лашкари кўп миқдорда ўлжа олиб қайтди. 14 Гарор атрофидаги шаҳарларда
яшайдиган халқ юз берган воқеани эшитиб, Эгамиздан қўрқиб қолган эди. Шу
сабабдан Яҳудо лашкари ўша шаҳарларнинг ҳаммасини мағлуб қилиб,
талон–тарож қилди, у ердан мўл ўлжа олиб кетди. 15 Улар чўпонларнинг
чодирларига ҳам ҳужум қилиб, кўп миқдорда қўй, эчки, туяларни олдилар. Сўнгра
Қуддусга қайтиб кетдилар.

15–БОБ

Шоҳ Осонинг ислоҳотлари

1 Одод ўғли Озариёни Худонинг Руҳи қамраб олди. 2 Озариё Осонинг ҳузурига
бориб деди:

— Эй шоҳ Осо! Эй Яҳудо ва Бенямин халқи! Гапимга қулоқ солинглар. Сизлар
Эгамиз билан бўлар экансиз, У ҳам сизлар билан бирга бўлади. Агар сизлар
Эгамизни изласангизлар, Уни топасизлар. Агар Уни тарк этсангизлар, У ҳам
сизларни тарк этади. 3 Исроил халқи узоқ вақт давомида* ҳақиқий Худосиз яшади.
Уларга таълим берадиган руҳоний йўқ эди, улар қонундан маҳрум эдилар. 4 Лекин
бошларига оғир кулфат тушганда, улар Исроил халқининг Худосига — Эгамизга
юз бурдилар, Уни изладилар, шунда топдилар. 5 Ўша нотинч даврда йўлга чиқиш
хатарли эди, чунки ҳамма жойда тартибсизлик ва беҳаловатлик ҳукмрон эди.
6 Бир халқ иккинчисини яксон қиларди, бир шаҳар бошқасини вайрон этар эди,
чунки Худо уларни изтиробга солиб, беҳаловат қилиб қўйган эди. 7 Лекин сизлар
дадил бўлинглар! Тушкунликка тушманглар! Сизлар қилган ишларингиз учун
мукофот оласизлар.

8 Шоҳ Осо Одод ўғли Озариё пайғамбарнинг айтган башоратини эшитгач*,
дадиллашди. У Яҳудо ва Бенямин ерларидан, шунингдек, Эфрайим қирларида
қўлга киритган шаҳарлардан макруҳ бутларни йўқ қилди. Маъбад ҳовлисидаги
Эгамизнинг қурбонгоҳини тузатди. 9 У Яҳудо ва Бенямин халқини, шунингдек,
ораларида истиқомат қилаётган Эфрайим, Манаше ва Шимўн қабиласидан бўлган
мусофирларни тўплади. Уларнинг кўпчилиги Осо ҳукмронлиги даврида Яҳудога
кўчиб келган эдилар, чунки Эгаси Худо Осо билан бирга бўлганини кўрган эдилар.
10 Улар Осо ҳукмронлигининг ўн бешинчи йили учинчи ойида* Қуддусда
тўпландилар. 11 Ўша куни ўзлари олиб келган ўлжалардан 700 та буқа ва 7000 та
қўйни Эгамизга қурбонлик қилдилар. 12 Сўнг ота–боболарининг Худосига —
Эгамизга бутун қалби билан, жону дили билан интилишга аҳд қилдилар. 13 Кимки
Исроил халқининг Худосига — Эгамизга интилмаса, хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қари, хоҳ
эркак бўлсин, хоҳ аёл, ўлдириладиган бўлди. 14 Улар баланд овозда Эгамизга
қасамёд қилдилар, ҳайқирдилар, карнай ва бурғулар чалдилар. 15 Жамики Яҳудо
халқи чин дилдан қасамёд қилгани учун хурсанд бўлди. Улар Эгамизни астойдил
излаганлари учун Уни топдилар. Эгамиз уларга ҳар тарафдан осойишталик ато
қилди.

16 Шоҳ Осонинг бувиси* Махо Ашеранинг* макруҳ тасвирини ясаттирган эди,
шунинг учун Осо бувисини маликалик мартабасидан* маҳрум қилди. У бувиси
ясаттирган бутни қўпориб ташлаб, парча–парча қилгандан кейин, Қидрон
сойлигида* ёқиб юборди. 17 Осо Исроилдаги саждагоҳларни* йўқ қилмаган бўлса

ҳам, умр бўйи Эгамизга содиқ қолди. 18 Отаси ва ўзи Худога атаб назр этган
олтину кумушларни, идишларни Худонинг уйига олиб келди. 19 Осо
ҳукмронлигининг ўттиз бешинчи йилига қадар уруш бўлмади.

16–БОБ

Исроил шоҳи Башо Яҳудога ҳужум қилади

1 Осо ҳукмронлигининг ўттиз олтинчи йилида Исроил шоҳи Башо Яҳудога
ҳужум қилди. Одамлар Яҳудо юртига осонликча кириб чиқа олмаслиги учун, Башо
Рама шаҳрини* мустаҳкамлади. 2 Осо Эгамизнинг уйидаги ва саройдаги
хазиналардан кумуш ва олтинларни олиб, Дамашқда ўтирган Орам шоҳи
Банҳададга жўнатди. Осо унга шу хабарни ҳам юборди: 3 “Сенинг отанг билан
менинг отам ўртасида иттифоқ бўлгани каби, сен билан менинг ўртамда ҳам
иттифоқ бўлсин. Сенга кумуш ва олтин бериб юборяпман. Исроил шоҳи Башо
билан иттифоқ тузган эдинг, энди ўшани бекор қил, токи у юртимдан жўнаб
қолсин.”
4 Банҳадад шоҳ Осонинг таклифини қабул қилди, лашкарбошиларига: “Исроил
шаҳарларига ҳужум қилинглар”, деб уларни ўша ёққа юборди. Улар Ийхон, Дан,
Овил–Байт–Махо* шаҳарларини ва Нафтали ҳудудидаги барча омбор шаҳарларни
босиб олдилар. 5 Башо бу воқеани эшитгач, Рамани мустаҳкамлаш фикридан воз
кечиб, ишни тўхтатиб қўйди. 6 Шоҳ Осо жамики Яҳудо халқини чақиртириб,
уларга Рама шаҳрини мустаҳкамлашда Башо ишлатган тош ва ёғочларни
ташиттирди. Осо ўша тош ва ёғочлар билан Гебо ҳамда Миспах шаҳарларини
мустаҳкамлади.
7 Шу вақтда валий Хонин Яҳудо шоҳи Осонинг ҳузурига келиб, унга айтди:
— Сен Эганг Худога суянмасдан, Орам шоҳига суяндинг. Шунинг учун Орам
шоҳининг лашкарини қўлдан бой бердинг. 8 Наҳотки Ҳабашистонликлар* билан
Ливияликлар эсингда бўлмаса?! Улар сон–саноқсиз лашкарлари, кўплаб жанг
аравалари ва отлиқ сипоҳлари билан келган эди–ку. Ўшанда Сен Эгамизга
суянганинг учун, Эгамиз уларни сенинг қўлингга берган эди. 9 Эгамиз ер юзидаги
ҳаммани кузатиб туради, Унга содиқ бўлганларга У куч–қудрат беради. Сен
ақлсизларча иш тутдинг. Бундан буён сенинг бошинг урушдан чиқмайди.
10 Осо валийнинг бу гапларидан ғазабланди. У ғазаб устида валийни зиндонга
ташлади. Халқдан баъзиларини ҳам шафқатсизларча эза бошлади.

Осо ҳукмронлигининг охирги даври

11 Осонинг бутун фаолияти бошидан охиригача “Яҳудо ва Исроил шоҳлари
китоби”да ёзиб қолдирилган. 12 Ҳукмронлигининг ўттиз тўққизинчи йилида
Осонинг оёқлари оғрийдиган бўлиб қолди. Унинг аҳволи жуда оғир бўлишига
қарамай, у касаллик пайтида ҳам Эгамизга юзини бурмади, фақат табиблардан
ёрдам сўради. 13 Ниҳоят, Осо қирқ бир йил ҳукмронлик қилиб, оламдан ўтди.
14 Уни атторлар тайёрлаган турли–туман зираворлар билан тўла тобутга
ётқиздилар. У Довуднинг қалъасида, ўзи учун қояда ўйдирган қабрга дафн
қилинди. Унинг шарафига катта гулхан ёқдилар.

17–БОБ

Яҳудо шоҳи Ёҳушафат

1 Ёҳушафат отаси Осо ўрнига шоҳ бўлди, у Исроилдан ўзини ҳимоя қилиш учун
мудофаани кучайтирди. 2 У Яҳудодаги ҳамма мустаҳкам шаҳарларга ҳарбий

қисмларни жойлаштирди. Яҳудо ерларида ҳамда отаси Осо қўлга киритган Эфрайим шаҳарларида кўплаб қўнолғалар ўрнаштирди. 3 Ёҳушафат отаси Осодан* ўрнак олиб, унинг илк ҳукмронлиги йилларига тақлид қилгани учун Эгамиз у билан бирга бўлди. Ёҳушафат Баалга сиғинмай, 4 отасининг Худосига интилди, Исроил шоҳлари йўлларидан юрмасдан, Худонинг амрларига итоат этди.
5 Шунинг учун Эгамиз унинг ҳокимиятини мустаҳкам қилди. Бутун Яҳудо халқи Ёҳушафатга ўлпон тўларди, у катта бойлик ва шуҳрат топди. 6 Эгамизга итоат қилишдан у завқ олар эди. Шу боис, у Яҳудодаги саждагоҳларни* йўқотди, Ашерага* аталган устунларни чопиб ташлади.
7 Ҳукмронлигининг учинчи йилида халққа таълим бериш учун ўз аъёнлари Банхайилни, Ободиёни, Закариёни, Натанилни ва Михиёни Яҳудо шаҳарларига жўнатди. 8 Левилардан Шамаё, Натаниё, Забадиё, Осойил, Шамиромўт, Йўнатан, Одониё, Тўвиёху ва Тўдониё ҳамда руҳонийлар Элишама ва Ёҳурам уларга ҳамроҳ бўлдилар. 9 Улар Эгамизнинг Таврот китобини олиб, Яҳудонинг ҳамма шаҳарларига боришди ва халққа таълим беришди.
10 Яҳудо атрофларидаги халқларга Эгамиз қўрқув солди, шунинг учун ўша халқлар Ёҳушафатга қарши уруш қилмадилар. 11 Баъзи Филистлар Ёҳушафатга катта миқдорда кумушни ўлпон қилиб олиб келдилар. Араблар ҳам 7700 та қўчқор ва 7700 та така олиб келдилар. 12 Ёҳушафат тобора кучайиб бораверди. У Яҳудода қалъалар ва омбор шаҳарлар қурдирди. 13 У ерга кўп миқдорда озиқ–овқат тўплади. Қуддусга тажрибали баҳодир жангчиларни жойлаштирди.
14 Бу жангчилар хонадонлари бўйича сафарбар қилинган эдилар:

Яҳудо қабиласининг сипоҳларига лашкарбоши Аднаҳ эди. Унинг қўли остида 300.000 нафар баҳодир жангчи бўлиб, улар 1000 нафар жангчидан ташкил топган бўлинмаларга бўлинган эдилар.
15 Иккинчи лашкарбоши Ёҳуханон эди, унинг қўли остида 280.000 нафар сипоҳи бор эди.
16 Учинчи лашкарбоши Зихри ўғли Амасиё эди, унинг қўли остида 200.000 нафар сипоҳи бор эди. Амасиё ўз хоҳиши билан Эгамизга хизмат қилаётган эди.

17 Бенямин қабиласининг сипоҳларига лашкарбоши Элёдах эди. У баҳодир жангчи бўлиб, қўли остида ёй ва қалқон билан қуролланган 200.000 нафар сипоҳи бор эди.
18 Элёдахнинг ўнг қўл ёрдамчиси Ёҳузабад эди, унинг қўли остида қуролланган 180.000 нафар сипоҳи бор эди.

19 Бу жангчилар шоҳга Қуддусда хизмат қилар эдилар. Булардан ташқари, шоҳ мустаҳкам шаҳарларга бошқа ҳарбий қисмларни жойлаштирган эди.

18–БОБ

Михиё пайғамбар шоҳ Ахабни огоҳлантиради

1 Ёҳушафат ниҳоятда бой бўлиб, обрўси ошиб кетди. У ўғлига Исроил шоҳи Ахабнинг қизини олиб бериб, Ахаб билан алоқасини мустаҳкамлади. 2 Орадан бир неча йил ўтгач, Ёҳушафат Ахабни кўргани Самария шаҳрига борди. Ахаб Ёҳушафат ва унинг ҳамроҳлари шарафига кўплаб мол–қўй сўйди. У Ёҳушафатни Гиладдаги* Рамўт шаҳрига ҳужум қилишга кўндирмоқчи бўлиб*:
3 — Гиладдаги Рамўт учун жанг қилмоққа мен билан борасанми? — деб сўради.

— Мени гўё ўзинг деб бил, халқимни ўзингнинг халқинг деб бил. Биз сен
билан бирга урушга борамиз, — деди унга Яҳудо шоҳи Ёҳушафат. 4 Ёҳушафат
Исроил шоҳига яна айтди:
— Аввал Эгамизнинг хоҳиш–иродасини бил–чи, У нима дер экан.
5 Исроил шоҳи тўрт юз пайғамбарни тўплаб улардан сўради:
— Гиладдаги Рамўт учун жанг қилмоққа борайми ёки бормайми?
— Бораверсинлар, Худо у шаҳарни шоҳ ҳазратларининг қўлига беради.
6 — Бу ерда улардан бошқа Эгамизнинг бирорта пайғамбари қолмадими? Агар
бўлса, ундан ҳам сўраб кўрайлик, — деди Ёҳушафат.
7 — Яна бир киши бор, — деди Ахаб Ёҳушафатга, — Йимлонинг ўғли Михиё. У
орқали Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билсак бўлади. Лекин мен уни ёмон
кўраман, чунки у мен ҳақимда башорат қилса, хайрли гап айтмайди, ҳар доим
хунук гап айтади.
— Эй шоҳ, бундай деб айтма, — деди Ёҳушафат.
8 Исроил шоҳи мулозимини чақириб:
— Тез бориб, Йимлонинг ўғли Михиёни олиб кел, — деб буюрди.
9 Исроил шоҳи Ахаб ва Яҳудо шоҳи Ёҳушафат шоҳлик либосларини кийиб, ҳар
қайсиси ўз тахтида Самария дарвозаси ёнида ўтирар, ҳамма пайғамбарлар эса
уларнинг рўпарасида туриб башорат қилаётган эди. 10 Ханано ўғли Зидқиё темир
шохлар ясаб, деди:
— Эгамиз: “Орам лашкарини қириб битирмагунингча, уларни шу шохлар
билан сузаверасан”, деб айтмоқда.
11 Бошқа пайғамбарлар ҳам шоҳга:
— Рамўтга бораверсинлар, албатта ғалаба қиладилар, Эгамиз ўша шаҳарни
шоҳимизнинг қўлларига беради, — деб башорат қилдилар.
12 Мулозим Михиёни чақириш учун кетди. У Михиёнинг олдига бориб, унга
деди:
— Қара, ҳозир ҳамма пайғамбарлар бир оғиздан шоҳга яхшиликдан башорат
қиляптилар. Сенинг башоратинг ҳам уларникидай бўлсин. Сен ҳам яхшиликдан
каромат қил.
13 — Худо ҳақи! Худойим менга нимани аён қилса, шуни айтаман, — деди
Михиё.
14 Михиё шоҳ ҳузурига келди.
— Эй Михиё, мен Гиладдаги Рамўт шаҳрини қайтариб олиш учун жанг
қилмоқчиман. Рамўтга ҳужум қилайми ёки йўқми? — деб сўради шоҳ ундан.
— Ҳужум қилаверсинлар, албатта ғолиб келадилар, — деди Михиё. — Ўша
шаҳар шоҳ ҳазратларининг қўлига берилади.
15 — Фақат ҳақиқатни айтишинг учун Эгамиз номини ўртага қўйиб, сенга неча
марта онт ичдирайин? — деб шоҳ ундан яна сўради.
16 Михиё унга шундай жавоб берди:
— Исроил халқини кўриб турибман, улар тоғлар устида ёйилиб юрган
чўпонсиз қўйларга ўхшайди. Эгамиз менга деди: “Уларнинг хўжайини йўқ, ҳар
бири ўз уйига тинч–омон қайтиб кетсин.”
17 — У мен ҳақимда башорат қилганда хайрли гап айтмайди, балки хунук хабар
айтади, деб сенга айтмаганмидим?! — деб хафалигини изҳор қилди Ахаб
Ёҳушафатга.
18 — Ундай бўлса, Эгамизнинг сўзларини эшитсинлар, — деди Михиё Ахабга. —
Мен Эгамизни Ўзининг тахтида ўтирган ҳолатда кўрдим. Жамики самовий
мавжудотлар Унинг ўнг ва чап томонидан жой олган эди. 19 Эгамиз улардан

сўради: “Исроил шоҳи Ахаб Гиладдаги Рамўт шаҳрига бориб, ўша ерда ҳалок бўлсин дея, ким уни ўзига оғдира олади?” Бири ундай деди, бошқаси бундай деди.
20 Бир пайт руҳлардан биттаси Эгамизнинг рўпарасида пайдо бўлди ва: “Уни мен кўндираман”, деди. “Қандай қилиб кўндирасан?” сўради Эгамиз. 21 “Мен чиқиб, ҳамма пайғамбарларнинг оғзида ёлғончи руҳга айланаман”, деди у. “Сен уни кўндир, бор, айтганингдай қил, сен уддасидан чиқасан”, деди Эгамиз. 22 Мана кўрдингизми, Эгамиз пайғамбарларингизнинг оғзига ёлғончи руҳ солиб қўйган. У бошингизга фалокат келтиришга қарор қилган.

23 Шу пайт Ханано ўғли Зидқиё Михиёнинг олдига келиб, унинг юзига бир шапалоқ урди:

— Наҳотки Эгамизнинг Руҳи мени тарк этиб, сен билан гаплашгани кетган бўлса?! Айт–чи, у қайси йўлдан кетди? — сўради Зидқиё.

24 — Қараб тур, сичқоннинг ини минг танга бўлиб, яширингани ичкари хонага югурганингда кўрасан, — деди Михиё Зидқиёга.

25 — Михиёни ушланглар! — буюрди Исроил шоҳи. — Уни шаҳар ҳокими Омоннинг ва шаҳзода Йўшнинг ҳузурига олиб боринглар. 26 Уларга менинг амримни етказинглар. Улар Михиёни зиндонга ташлашсин. Мен соғ–саломат қайтиб келгунимча, оз–моз нон–сув бериб турсин, холос.

27 — Эй халойиқ! Ҳаммангиз эшитиб қўйинг! Агар шоҳ ҳазратлари соғ–саломат қайтиб келсалар, Эгамиз мен орқали гапирмаган бўлади, — деди Михиё.

Ахаб ҳалок бўлади

28 Исроил шоҳи Ахаб билан Яҳудо шоҳи Ёҳушафат Гиладдаги Рамўт шаҳрига кетишди.

29 — Мен қиёфамни ўзгартириб, жангга кираман, сен эса шоҳлик либосларингни кийиб ол, — деди Ахаб Ёҳушафатга.

Ахаб қиёфасини ўзгартириб, жангга кирди. 30 Орам шоҳи жанг аравалари қўмондонига: “Каттаси билан ҳам, кичиги билан ҳам жанг қилиб ўтирманглар, асосий ҳужумни Исроил шоҳининг ўзига қаратинглар”, деб амр берган эди.
31 Жанг аравалари қўмондонлари Ёҳушафатни кўргач: “Исроил шоҳи ана шу!” деб ўйлаб унга ҳужум бошладилар. Ёҳушафат лашкарини жангга даъват қилиб бақирганда, Эгамиз унга ёрдам бериб, ҳужумни қайтарди. 32 Араваларнинг қўмондонлари билдиларки, у Исроил шоҳи эмас экан. Қўмондонлар орқага қайтдилар.

33 Бир одам бехосдан ёйини тортиб қўйиб юборган эди, ўқ тўппа–тўғри Исроил шоҳига келиб тегди. Шоҳнинг устидаги совути уланган жойдан ўқ кириб кетган экан. Шоҳ оғир жароҳатланди.

— Отни орқага бур, мен жароҳатландим, лашкар орасидан мени олиб чиқиб кет! — деди шоҳ извошчисига. 34 Ўша куни ғоятда шиддатли жанг бўлди. Шоҳ Ахаб эса араваси устида суяниб, Орам лашкарини кузатиб турди. Кечга томон бориб шоҳ қазо қилди.

19–БОБ

Валий Ёҳу Ёҳушафатга танбеҳ беради

1 Яҳудо шоҳи Ёҳушафат Қуддусдаги саройига соғ–саломат қайтиб келди.
2 Хонин ўғли валий Ёҳу шоҳ Ёҳушафат билан учрашгани бориб, унга деди:

— Қабиҳларга ёрдам бериб, Эгамиздан нафратланганларни яхши кўриш тўғрими? Қилган бу ишинг учун Эгамиз сендан ғазабланди. 3 Шунга қарамай, сен яхши ишлар ҳам қилгансан. Сен Ашеранинг* устунларини Яҳудо юртидан йўқ

қилгансан, бутун юрагинг билан Худога интилишга қатъий қарор этгансан.

Шоҳ Ёҳушафатнинг ислоҳотлари

4 Ёҳушафат Қуддусда яшар эди. Бироқ у тез–тез халқ орасига чиқиб, жанубдаги
Бершебадан тортиб, то шимолдаги Эфрайим қирларигача борар эди. Бутун
халқни ота–боболарининг Худосига — Эгамизга юз буришга даъват этарди. 5 У
Яҳудодаги мустаҳкам шаҳарларнинг ҳар бирига ҳакамлар тайинлаб, 6 уларга
шундай кўрсатма берди:

— Ҳукм қилишда эҳтиёт бўлинглар, чунки сизлар инсон номидан эмас, балки
Эгамиз номидан ҳукм қиласиз. Ҳукм қилаётганингизда У сизлар билан бирга
бўлади. 7 Эгамиздан қўрқинг. Ҳукм чиқарганингизда эҳтиёт бўлинг, чунки Эгамиз
Худо ноҳақликка, тарафкашлигу порага тоқат қилмайди.

8 Эгамизнинг қонуни билан боғлиқ бўлган ҳукмларни чиқариш ва одамлар
орасидаги мунозараларни ечиш учун Ёҳушафат Қуддусда баъзи левиларни,
руҳонийларни ва Исроил уруғбошиларини тайинлади. Улар Қуддусда яшардилар.
9 Ёҳушафат уларга шундай деб уқтирди:

— Ўз вазифангизни Эгамиздан қўрққан ҳолда, сидқидилдан, одилона
бажаринг. 10 Бошқа шаҳарда истиқомат қиладиган биродарларингиз олдингизга
қотиллик ёки қонун, амр, фармон, қоидалар билан боғлиқ бўлган даъволар билан
келса, уларни огоҳлантиринг, токи улар Эгамизга қарши гуноҳ қилиб
қўймасинлар, ўзларининг ва сизнинг бошингизга Эгамизнинг қаҳрини
келтирмасинлар. Шундай қилсангиз, айбдан холи бўласизлар. 11 Сизлар
Эгамизнинг ишлари юзасидан ҳамма ҳисоботни олий руҳоний Эмориёга, шоҳнинг
ишлари юзасидан бўлган ҳисоботни эса Яҳудо қабиласининг бошлиғи Исмоил
ўғли Забадиёга берасизлар. Суд қарорлари амалга ошишини левилар назорат
қилиб турадилар. Дадил бўлинглар, тўғри иш қилганга Худо ёр бўлсин!

20–БОБ

Эдомга қарши уруш

1 Орадан бир оз вақт ўтгач, Мўабликлар билан Оммонликлар ҳамда Мавун
халқининг* бир қисми Ёҳушафатга қарши уришгани отландилар. 2 Хабарчилар
келиб, Ёҳушафатга: “Сон–саноқсиз лашкар Эдомдан* — Ўлик денгизнинг нариги
қирғоғидан сизга қарши келмоқда. Улар Хазазон–Тамарни қўлга киритиб
бўлишган”, деб айтдилар. (Хазазон–Тамарнинг бошқа номи Эн–Геди* эди.)
3 Ёҳушафат қўрқиб кетди. У Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билмоқчи бўлиб, бутун
Яҳудо бўйлаб рўза эълон қилди. 4 Яҳудонинг ҳамма шаҳарларидан халқ Қуддусга
йиғилиб, Эгамиздан мадад тилади.

Шоҳ Ёҳушафатнинг ибодати ва ғалабаси

5 Ёҳушафат Яҳудо ва Қуддус жамоаси қаршисида — Эгамизнинг уйи олдидаги
янги ҳовлида туриб, 6 илтижо қилди:

> “Эй ота–боболаримизнинг Худоси — Эгамиз! Самодаги ягона Худо
> Сенсан. Сен ер юзидаги барча халқларга ҳукмронлик қиласан. Куч–қудрат
> эгаси Ўзингсан. Ким Сенга бас кела олади?! 7 Эй Худойимиз! Халқинг
> Исроил бу юртга келганда, Сен уларнинг олдидан маҳаллий халқни ҳайдаб
> юбординг, бу юртни дўстинг Иброҳимнинг наслига то абад бердинг.
> 8 Ота–боболаримиз бу ерда яшаб, Сенга атаб бир Маъбад барпо қилдилар.
> Улар шундай деган эдилар: 9 «Бошимизга уруш, ўлат ва очарчилик каби
> кулфатлар тушганда, биз шу уйинг олдига — Сенинг ҳузурингга келамиз.

Зеро, Сен шу ердасан. Кулфат ичра Сенга ёлворамиз, шунда Сен
илтижоларимизни эшитиб, бизга нажот берасан.»
10 Мана қара, Оммон, Мўаб ва Эдом юртининг* халқлари бизга ҳужум
қиляптилар. Бизнинг ота–боболаримиз Мисрдан чиққанларида, Сен уларга
бу юртларга киришга ижозат бермаган эдинг. Улар ўша юртларни айланиб
ўтиб кетган ва у халқларни қириб юбормаган эдилар. 11 Энди эса бу
халқларнинг бизга қайтарган мукофотини кўриб қўй! Сен бизга мулк
қилиб берган юртдан улар бизни ҳайдаб юбормоқчилар. 12 Эй Худойимиз!
Сен Ўзинг уларни жазола, чунки бизга ҳужум қилган бу улкан лашкарга биз
қаршилик қилишга ожизмиз. Нима қилишни биз билмаймиз, Сендан
келадиган ёрдамга кўз тутиб турибмиз.”

13 Шу пайтда жамики Яҳудо эркаклари хотин, бола–чақалари билан
Эгамизнинг олдида — Маъбадда турган эдилар. 14 Шу он Эгамизнинг Руҳи жамоа
орасида турган леви Закариё ўғли Яхазиёлни қамраб олди. Яхазиёл Осиф
уруғидан бўлиб, Бинаёнинг невараси, Явиёлнинг эвараси ва Маттаниёнинг
чевараси эди. 15 Яхазиёл деди:
— Эшитинглар, эй Ёҳушафат ҳазратлари, бутун Яҳудо ва Қуддус аҳли! Эгамиз
сизларга шундай демоқда: бу сон–саноқсиз лашкардан қўрқманглар, ваҳимага
тушманглар! Бу жанг сизники эмас, Худоникидир. 16 Эртага уларга ҳужум
қилинглар. Улар Зиз довонидан ошиб келадилар. Сизлар уларни Ярубол
адирларининг* этагидаги сойлик бошида топасизлар. 17 Бу урушда сизлар жанг
қилмайсизлар. Сизлар жойингизни эгаллаб, кутинглар. Эгамиз сизларни ғалабага
эриштирганини кўрасизлар. Эй Яҳудо ва Қуддус аҳли! Қўрқманглар, ваҳимага
тушманглар. Эртага уларга ҳужум қилинглар, Эгамиз сизлар билан бирга бўлади.
18 Шундан кейин Ёҳушафат ер ўпиб таъзим қилди. Бутун Яҳудо ва Қуддус аҳли
ҳам таъзим қилиб, Эгамизга сажда қилди. 19 Қоҳот ва Кўрах наслларидан бўлган
левилар тик туриб, Исроил халқининг Худоси — Эгамизга баланд овоз билан
ҳамду сано ўқидилар.
20 Яҳудо лашкари тонг саҳарда туриб, Тахува адирларига йўл олди. Улар йўлга
чиққанларида, Ёҳушафат туриб деди:
— Эшитинг, эй Яҳудо ва Қуддус аҳли! Эгангиз Худога ишонинг, шунда бехатар
бўласиз! Эгамизнинг пайғамбарлари айтган гапларига ишонинг, шунда
муваффақиятга эришасиз!
21 Ёҳушафат халқ билан маслаҳатлашиб бўлгандан кейин, Эгамизни тараннум
этадиган, муқаддаслигининг гўзаллигига ҳамду сано ўқийдиган қўшиқчиларни
тайинлади. Улар лашкар олдида: “Эгамизга шукроналар айтинг, Унинг содиқ
севгиси абадийдир”, деб қўшиқ айтишлари керак эди.
22 Улар қўшиқ ва ҳамду сано айтишни бошлашлари биланоқ, Яҳудога қарши
келган Оммон, Мўаб ва Эдом халқларига Эгамиз ғойибдан ҳужум қилди, уларни
тор–мор этди. 23 Оммон ва Мўаб халқлари Эдом халқига ҳужум қилиб, уларни
битта қолдирмай қириб ташлашди. Уларни йўқ қилганларидан кейин эса
бир–бирларини қиришди.
24 Яҳудо халқи адирларнинг бутун манзарасини кўрса бўладиган баландликка
етиб келганларида, ғанимлар томонга қараб, фақат ерда чўзилиб ётган
мурдаларни кўрдилар. Бирортаси ҳам қочиб қутулмаган эди. 25 Ёҳушафат ўлжа
олиш учун лашкарини бошлаб борганда, улар кўп миқдорда юк ҳайвонларини,
мол–ҳолни*, кийим–кечакларни* ва қимматбаҳо буюмларни топдилар. Кўтара
олгунларича нарса олиб кетдилар. Ўлжанинг кўплигидан, улар уч кун нарса

ташидилар. 26 Тўртинчи куни улар Барака водийсида йиғилишиб, Эгамизга ҳамду
сано айтдилар. Шу сабабдан бу водийнинг номи бугунги кунда ҳам Барака*
водийси деб юритилади. 27 Кейин бутун Яҳудо ва Қуддус халқи Ёҳушафат
бошчилигида хурсандчилик билан Қуддусга қайтдилар, чунки Эгамиз уларга
душманлари устидан тантана қилишга имкон берган эди. 28 Улар арфа, лира ва
карнай чалиб, Қуддусга — Эгамизнинг уйига келдилар. 29 Эгамиз халқи
Исроилнинг душманларини мағлуб қилганини эшитган барча халқлар Худодан
қўрқиб қолишди. 30 Ёҳушафатнинг шоҳлиги тинчликдан баҳра топди, Худо уларга
ҳар тарафдан осойишталик ато қилди.

Ёҳушафат ҳукмронлигининг сўнгги даври

31 Шундай қилиб, Ёҳушафат Яҳудода ҳукмронлик қилди. У тахтга ўтирган
пайтда ўттиз беш ёшда бўлиб, Қуддусда йигирма беш йил шоҳлик қилди. Онаси
Озиба Шилхининг қизи эди. 32 Ёҳушафат отаси Осонинг йўлидан юрди, йўлдан
озмай, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. 33 Аммо саждагоҳларни* йўқ қилиб
ташламади. Халқ ҳануз ота–боболарининг Худосига чин юракдан боғланмаган
эди.

34 Ёҳушафатнинг бошқа ишлари бошдан охиригача Хонин ўғли Ёҳунинг
қўлёзмаларида баён этилган бўлиб, “Исроил шоҳлари китоби” таркибига
киритилган.

35 Кейинчалик Яҳудо шоҳи Ёҳушафат Исроил шоҳи Охозиё билан иттифоқ
тузди. Охозиё кўп қабиҳ ишлар қилган эди. 36 Улар биргаликда Эзйўн–Геберда
денгиз савдо кемаларини* ясадилар. 37 Шунда Моришолик Дўдаваҳу ўғли Элиазар
Ёҳушафатга қарши башорат қилиб: “Сен Охозиё билан иттифоқ тузганинг учун,
Эгамиз бу кемаларингни бузиб ташлайди”, деб огоҳлантирди. Кемалар
парчаланиб, улар денгизга* чиқишга муваффақ бўла олмадилар.

21–БОБ

1 Ёҳушафат оламдан ўтди. У ҳам Довуд қалъасида, ота–боболари ёнига дафн
қилинди. Унинг ўрнига ўғли Ёҳурам шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Ёҳурам

2 Ёҳурамнинг Озариё, Ёхиёл, Закариё, Озариёҳу, Микойил ва Шафатиё деган
укалари бор эди. Буларнинг ҳаммаси шоҳ Ёҳушафатнинг ўғиллари эди. 3 Отаси
уларга кўп миқдорда олтину кумуш ва қимматбаҳо ашёлар билан бирга Яҳудо
юртидаги мустаҳкам шаҳарларни ҳадя этган эди. Ёҳурамни эса, тўнғич ўғил
бўлгани учун тахт вориси қилган эди. 4 Ёҳурам отаси ўрнига тахтга ўтириб, ўзини
мустаҳкамлаб олгандан кейин, укаларининг ҳаммасини ва Исроил аъёнларидан
баъзиларини қиличдан ўтказди.

5 Ёҳурам Яҳудо шоҳи бўлганда, ўттиз икки ёшда эди. У Қуддусда саккиз йил
ҳукмронлик қилди. 6 Хотини Ахабнинг қизи бўлгани учун Ёҳурам ҳам, Ахаб
хонадони сингари, Исроил шоҳлари йўлидан юриб, Эгамиз олдида қабиҳликлар
қилди. 7 Шундай бўлса–да, Довуднинг хонадонини Эгамиз ҳалокатга учратишни
истамади, чунки У Довуд билан аҳд қилиб: “Сенинг наслингга то абад
сўнмайдиган чироқ бераман”, деб ваъда қилган эди*.

Эдомликларнинг исёни

8 Ёҳурам даврида Эдом Яҳудо шоҳлигига қарши исён қилди. Эдом халқи
ўзларининг мустақил шоҳлигини қурдилар. 9 Ёҳурам ҳамма лашкарбошилари ва
жанг араваларини Эдомга бошлаб борди. Эдом лашкари Ёҳурамни ва унинг жанг

аравалари сардорларини ўраб олди, лекин Ёҳурам тунда ҳужум қилиб, қамални ёриб чиқди. 10 Ўша пайтдан бери ҳозиргача* Эдом халқи Яҳудо ҳукмронлигидан озоддир. Ёҳурам ота–боболарининг Худоси — Эгамизни тарк этгани учун Либна шаҳри* ҳам ўша даврда исён кўтарган эди. 11 Ёҳурам Яҳудо қирларида саждагоҳлар* барпо қилди, у Яҳудо ва Қуддус аҳолисини Худога бевафолик қилишга бошлади, уларни ҳақ йўлдан оздирди.

12 Ўша пайтда Илёс пайғамбар унга қуйидагича мактуб юборди:

> “Бобонг Довуднинг Худоси — Эгамиз шундай демоқда: сен отанг Ёҳушафатнинг йўлидан юрмадинг, Яҳудо шоҳи Осонинг изидан ҳам бормадинг, 13 балки Исроил шоҳларининг йўлидан юрдинг. Ахаб хонадони Исроилни Менга бевафолик қилишга бошлагандай, сен ҳам Яҳудо ва Қуддус аҳолисини Менга бевафолик қилишга бошладинг. Сен ҳатто ўз укаларингни ўлдирдинг, улар сендан яхшироқ эди. 14 Шу сабабдан Мен, Эгангиз, сенинг халқинг, болаларинг, хотинларинг бошига ва бутун мол–мулкингга оғир кулфат келтираман. 15 Сен ўзинг эса оғир ичак хасталигига йўлиқасан. Ичак–човоқларинг ташқарига чиққунга қадар, хасталигинг кундан–кунга кучайиб бораверади.”

16 Эгамиз Филистларни ва Ҳабашистон* ёнида яшаётган Арабларни Ёҳурамга қарши қўзғатди. 17 Улар Яҳудога бостириб келиб, шоҳ саройидаги ҳамма бойликларни, шоҳнинг ўғилларини ва хотинларини олиб кетдилар. Шоҳнинг Охозиёдан* бошқа ўғли қолмади. Охозиё шоҳнинг кенжа ўғли эди.

Шоҳ Ёҳурам хасталаниб вафот этади

18 Шундан кейин Эгамиз шоҳ Ёҳурамни тузалмас ичак хасталигига йўлиқтирди. 19 Орадан икки йил ўтгач, Ёҳурамнинг хасталиги зўрайиб, ичак–човоқлари ташқарига чиқди. Ёҳурам қаттиқ азоб–уқубат тортиб, вафот этди. Одамлар Ёҳурамнинг ота–боболари шарафига гулхан ёқишган бўлса–да, Ёҳурамнинг шарафига гулхан ёқишмади.

20 Ёҳурам тахтга ўтирган пайтда ўттиз икки ёшда бўлиб, Қуддусда саккиз йил ҳукмронлик қилди. Унинг ўлими учун ҳеч ким қайғурмади. Гарчи уни Довуд қалъасига дафн этган бўлсалар–да, шоҳлар қабрига дафн қилмадилар.

22–БОБ

Яҳудо шоҳи Охозиё

1 Араблар босқинчилик сафари давомида Ёҳурамнинг кенжа ўғли Охозиёдан бошқа ҳамма ўғилларини қатл қилган эдилар. Шунинг учун Қуддус аҳолиси Охозиёни ўзларига шоҳ қилишди. 2 Охозиё тахтга ўтирганда, йигирма икки* ёшда эди. У Қуддусда бир йил шоҳлик қилди. Онасининг исми Оталиё бўлиб, Исроил шоҳи Омрининг невараси эди. 3 Охозиё ҳам Ахаб хонадони йўлидан юрди, чунки онаси унга қабиҳ ишлар қилишни маслаҳат берарди. 4 Охозиё Ахаб наслига ўхшаб, Эгамиз олдида қабиҳликлар қилди. Отаси Ёҳурамнинг вафотидан кейин, шоҳ Ахаб хонадонининг бошқа аъзолари Охозиёнинг маслаҳатчилари бўлиб, уни ҳалокатга бошладилар. 5 Охозиё уларнинг маслаҳатига кириб, Исроил шоҳи Ахаб ўғли Ёрам* билан бирга Гиладдаги* Рамўтга бориб, Орам шоҳи Хазайилга қарши уруш очди. Шоҳ Ёрам шу урушда ярадор бўлди. 6 У ярасини даволатиш учун Йизрил шаҳрига* қайтиб келди. Яҳудо шоҳи Охозиё* эса яраланган Ёрамни кўргани Йизрилга борди.

7 Худо Охозиёнинг бу ташрифини унинг ҳалокати учун ишлатди. Охозиё
Ёрамникига етиб боргач, Ёрам билан биргаликда Нимшининг невараси* Ёҳуни
кутиб олгани чиқди. Ёҳуни Эгамиз Ахаб хонадонини қатл қилиш учун танлаган
эди. 8 Ёҳу Ахаб хонадони устидан чиқарилган ҳукмни ижро этаётган пайтда,
Охозиё билан бирга келган Яҳудо аъёнларига ва Охозиёнинг жиянларига дуч
келди. Уларнинг ҳаммасини битта қолдирмай қириб юборди. 9 Сўнг Охозиёни
қидира бошлади. Ёҳунинг одамлари Самарияда яшириниб юрган Охозиёни қўлга
олдилар. Уни Ёҳунинг олдига олиб келиб ўлдирдилар. Аммо кейин дафн
қилдилар, чунки улар: “Эҳа, бу Эгамизга чин юракдан интилган Ёҳушафатнинг
невараси–ку!” деб айтган эдилар. Охозиё хонадонида шоҳлик қиладиган ҳеч бир
кимса қолмади.

Яҳудо маликаси Оталиё тахтга ўтиради

10 Оталиё* ўз ўғли шоҳ Охозиёнинг ўлдирилганини эшитгач, Яҳудода
Охозиёнинг жамики уруғини қириб ташлашга киришди. 11 Шоҳнинг ҳамма
ўғилларини ўлдириш режалаштирилган эди. Шоҳ Ёҳурамнинг Ёҳушева* деган
қизи бор эди. Ёҳушева Охозиёнинг ўгай синглиси бўлиб, руҳоний Ёҳайидога
турмушга чиққан эди. Ёҳушева Охозиёнинг ўғли Йўшни шоҳнинг ўғиллари
орасидан билдирмасдан олиб қочди. Оталиё болани ўлдирмаслиги учун, уни
энагаси билан бирга Эгамизнинг уйидаги ётоқхонага яширди. 12 Оталиё юртни
бошқарган пайтда, бола олти йил давомида Худонинг уйида улар билан бирга
яшириниб юрди.

23–БОБ

Оталиёга қарши исён

1 Еттинчи йили руҳоний Ёҳайидо қўрқмай ҳаракатга тушди. У қуйидаги
юзбошилар билан аҳд қилди: Ерохам ўғли Озариё, Ёҳуханон ўғли Исмоил, Обид
ўғли Озариё, Одаё ўғли Масиё ва Зихри ўғли Элишафат. 2 Улар Яҳудо юртини
кезиб чиқдилар, Яҳудонинг ҳамма шаҳарларидан левиларни ва Исроил
уруғбошиларини йиғиб, Қуддусга олиб келдилар. 3 Келганларнинг ҳаммаси
Худонинг уйига йиғилиб, ўша ерда шоҳ билан аҳд қилдилар. Ёҳайидо уларга
шундай деди:

— Мана шоҳнинг ўғли! Эгамизнинг Довуд ўғиллари ҳақида берган ваъдасига
мувофиқ, бу ўғил ҳукмронлик қилсин. 4 Энди сизлар бундай қиласизлар: Шаббат
куни хизмат қиладиган руҳоний ва левиларнинг учдан бир қисми дарвозаларни
қўриқласин. 5 Учдан бири — шоҳнинг уйида, учдан бири эса Асос дарвозасида
бўлсин. Халқ оммаси Эгамиз уйининг ҳовлиларида турсин. 6 Эгамизнинг уйига
руҳонийлар билан хизматдаги левилардан бошқа ҳеч ким кирмасин. Фақат улар
кира оладилар, чунки улар муқаддасдирлар. Қолган одамлар Эгамизнинг
кўрсатмаларига риоя қилиб, ташқарида қолсинлар. 7 Левилар қўлида қуроли
билан шоҳни ҳар томондан ўраб олсинлар, Эгамизнинг уйига ким кирса
ўлдирилсин. Шоҳ кирганда ҳам, чиққанда ҳам, унга ҳамроҳ бўлинглар.

8 Левилар ва бутун Яҳудо халқи руҳоний Ёҳайидонинг амрларини сўзсиз
бажардилар. Ҳар бир юзбоши Шаббат куни хизматини бошлаган ва хизматини
тугатган қўриқчиларини олиб қолди, чунки ўша куни Ёҳайидо қўриқчиларининг
бирорта бўлинмасига кетишга ижозат бермаган эди. 9 Руҳоний Ёҳайидо Худонинг
уйида турган шоҳ Довуднинг найзаларини ҳамда катта ва кичик қалқонларини
юзбошиларга тарқатди. 10 Шоҳни қўриқлаш учун уйининг жануб томонидан шимол
томонигача, қурбонгоҳнинг ва уйининг атрофига одамларни жангга шай ҳолда

жойлаштирди. 11 Ёҳайидо Йўшни ташқарига олиб чиқиб, бошига тож кийдирди.
Унга шоҳлик қонунларини* берди. Йўш шоҳ деб эълон қилинди. Ёҳайидо ва унинг
ўғиллари Йўшнинг бошига мой суртишди, сўнгра: “Шоҳимизнинг умрлари узоқ
бўлсин!” дея ҳайқиришди.

Оталиё ўлдирилади

12 Оталиё югураётган ва шоҳни олқишлаётган халқнинг шовқин–суронини
эшитгач, Эгамизнинг уйига, у ерда йиғилганларнинг ёнига борди. 13 Қарасаки,
одатга кўра, Эгамизнинг уйига кираверишдаги устун олдида шоҳ турибди,
шоҳнинг атрофини лашкарбошилар, карнайчилар ўраб олган. Юртнинг бутун
халқи шод–хуррам, карнай чаляпти, қўшиқчилар мусиқа асбоблари жўрлигида
байрам ўтказяпти. Шунда Оталиё ғазабдан либосларини йиртиб: “Хоинлик!
Хоинлик!” деб бақирди. 14 Руҳоний Ёҳайидо юзбошиларни чақириб: “У хотинни бу
ердан олиб чиқиб кетинглар, кимки унга эргашса, қиличдан ўтказинглар”, деб
буйруқ берди. Руҳоний ўша аёлнинг Эгамиз уйида ўлдирилишини истамади.
15 Оталиё ушланди ва саройнинг От дарвозасига келтирилиб, ўша ерда қатл
қилинди.

Руҳоний Ёҳайидонинг ислоҳотлари

16 Руҳоний Ёҳайидо халқ, шоҳ ва Эгамиз орасида “Биз Эгамизнинг халқи
бўламиз” деб аҳд тузди. 17 Сўнг бутун халқ Баалнинг уйига бориб, уни бузиб
ташлади, у ердаги қурбонгоҳларни ва Баалнинг тасвирларини синдирди,
Баалнинг руҳонийси Маттонни эса қурбонгоҳларнинг рўпарасида ўлдирди.
18 Ёҳайидо Довуд берган кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда, Эгамиз уйининг
назоратини леви руҳонийларига топширди. Уларга, Мусонинг қонунида
ёзилганидай, Эгамизга куйдириладиган қурбонликлар келтиришни ва Довуд амр
этгандай, шод–хуррамлик билан қўшиқ айтишни буюрди. 19 Ҳеч ким Эгамизнинг
уйига ҳаром бўлиб кирмасин деб, дарвозага соқчиларни жойлаштирди. 20 Сўнгра
юзбошиларни, аслзодаларни, халқ йўлбошчиларини ва жамики халқни ёнига
олиб, шоҳни Эгамизнинг уйидан олиб чиқди. Улар Юқори дарвозадан ўтиб, шоҳни
саройга олиб келдилар ва тахтга ўтқаздилар 21 Оталиё ўлдирилгани учун юрт
халқи севинди. Қуддус осойишта бўлиб қолди.

24–БОБ

Яҳудо шоҳи Йўш

1 Йўш шоҳ бўлганда, етти ёшда эди. У Қуддусда қирқ йил ҳукмронлик қилди.
Онаси Бершеба шаҳридан бўлиб, исми Зибиёх эди. 2 Руҳоний Ёҳайидо ҳаётлигида
Йўш Эгамизнинг олдида тўғри ишлар қилди. 3 Ёҳайидо Йўшга иккита хотин олиб
берди. Улар Йўшга ўғил–қизлар туғиб беришди.

4 Орадан бир оз вақт ўтгач, Йўш Эгамизнинг уйини тузатишга қарор қилди. 5 У
руҳонийларни ва левиларни тўплаб, уларга айтди:

— Яҳудо шаҳарларига бориб, Худойингизнинг уйини тузатиш учун жамики
Исроил халқидан йилига тўланадиган солиқни йиғиб келинглар. Бу ишни тезлик
билан бажаринглар.

Лекин левилар бу ишни орқага сурдилар. 6 Шунда шоҳ олий руҳоний
Ёҳайидони чақиртириб, ундан сўради:

— Нимага сиз левиларни солиқ йиғиб келишлари учун жўнатмадингиз?
Эгамизнинг қули Мусо Муқаддас аҳд чодирининг* харажатларини қоплаш учун
бу солиқни Исроил жамоасига солган–ку.

7 Қабиҳ аёл Оталиёнинг издошлари Худонинг уйига бостириб кириб, у ердаги
Эгамизга бағишланган ашёларни Баалнинг сажда маросимлари учун ишлатган
эдилар.
8 Шоҳнинг буйруғи билан бир қути ясалиб, Эгамиз уйи дарвозасининг ташқи
томонига ўрнатилди. 9 “Худонинг қули Мусо саҳрода Исроил халқига солган
солиқни Эгамизга олиб келинглар”, деб Яҳудо ва Қуддус бўйлаб эълон қилинди.
10 Жамики йўлбошчилар ва халқ бажонидил солиқ пулларини олиб келиб, қутини
тўлдиравердилар. 11 Қутида кўп пул йиғилгандан кейин, левилар қутини шоҳ
аъёнларига олиб боришар эди. Шоҳнинг мирзаси билан олий руҳонийнинг
ёрдамчиси қутини бўшатиб, уни ўз жойига қайтариб қўйишар эди. Улар ҳар куни
шундай қилишарди. Шу тариқа кўп миқдорда кумуш тўплашди. 12 Шоҳ ва Ёҳайидо
бу кумушларни Эгамизнинг уйидаги ишларнинг бошида турган одамларга берди.
Улар эса бу кумушга Эгамизнинг уйини тузатиш учун тош терувчилар,
дурадгорлар, темир ва бронзага ишлов берадиган усталарни ёлладилар.
13 Ҳаммалари чин юракдан меҳнат қилишди, Худонинг уйини олдинги
ҳолатида тиклаб, мустаҳкамлашди. 14 Улар ҳамма ишларни тугатишгач, қолган
кумушларни шоҳ билан Ёҳайидога беришди. Бу кумушлардан Эгамизнинг уйи
учун буюмлар — хизматда ва қурбонликлар куйдиришда ишлатиладиган
идишлар, шунингдек, олтин ва кумуш анжомлар ясалди. Руҳоний Ёҳайидо
даврида Эгамизнинг уйида доимо куйдириладиган қурбонликлар келтириларди.

Руҳоний Ёҳайидонинг сиёсати бекор қилинади

15 Ёҳайидо роса кексайиб, бир юз ўттиз ёшида вафот этди. 16 У Исроил халқи,
Худо ва Худонинг уйи учун қилган хизматлари эвазига Довуд қалъасида шоҳлар
ёнига дафн қилинди.
17 Ёҳайидонинг вафотидан кейин Яҳудо аъёнлари шоҳ ҳузурига келишиб, унга
таъзим қилдилар. Шоҳ уларнинг маслаҳатларига қулоқ солди. 18 Натижада халқ
ота–боболарининг Худоси — Эгамизнинг уйини тарк этиб, Ашеранинг*
устунларига ва бутларга сиғина бошлади. Уларнинг бу гуноҳлари туфайли, Яҳудо
ва Қуддус устига Эгамиз ғазабини сочди. 19 У, халқимни қайтарай деб, олдиларига
пайғамбарларни юборди. Бироқ халқ пайғамбарларнинг огоҳлантиришларига
қулоқ солмади.
20 Худонинг Руҳи руҳоний Ёҳайидонинг ўғли Закариёни қамраб олди. Закариё
халқнинг олдида туриб, шундай деб айтди:
— Худо шундай демоқда: “Нимага сизлар Менинг амрларимга итоат
этмаяпсизлар? Шунинг учун роҳат–фароғатга эришолмайсизлар. Сизлар Мен,
Эгангизни тарк этганларингиз учун, Мен ҳам сизларни тарк этаман.”
21 Аъёнлар Закариёга қарши фитна уюштирдилар. Шоҳнинг фармони билан
уни Эгамизнинг уйи ҳовлисида тошбўрон қилиб ўлдирдилар. 22 Шоҳ Йўш
Закариёнинг отаси Ёҳайидо кўрсатган садоқатини эсламади, аксинча, унинг
ўғлини ўлдирди. Закариё жон бераётганда: “Эгамиз бу қилмишингизни кўриб,
жазоингизни берсин”, деди.

Шоҳ Йўш ҳукмронлигининг сўнгги даври

23 Ўша йилнинг охирида* Орам лашкари Йўшга ҳужум қилди. Улар Яҳудо ва
Қуддусни босиб олиб, ҳамма халқ йўлбошчиларини ўлдиришди, олган ҳамма
ўлжаларини Дамашқ шоҳига жўнатишди. 24 Гарчи Орам лашкари озчилик бўлса
ҳам, Эгамиз уларнинг қўлига Яҳудонинг катта лашкарини топширганди. Чунки
Яҳудо халқи ота–боболарининг Худоси — Эгамизни тарк этганди. Шундай қилиб,
шоҳ Йўш жазосини олди.

25 Йўш жангда оғир яраланди. Орам лашкари кетишлари биланоқ, Йўшнинг икки аъёни унга фитна уюштирдилар. Улар руҳоний Ёҳайидонинг ўлдирилган ўғли учун Йўшдан ўч олиб, уни ўз тўшагида ўлдирдилар. Йўшни Довуд қалъасига дафн қилдилар, бироқ шоҳлар қабрига уни қўймадилар. 26 Йўшга фитна уюштирганлар Оммонлик Шимат деган аёлнинг ўғли Йўзабад* ва Мўаблик Шўмер* деган аёлнинг ўғли Ёҳузабад эдилар. 27 Йўшнинг ўғиллари тўғрисидаги тўлиқ ахборот, Йўшга қарши айтилган кўп башоратлар ва Худонинг уйи тузатилгани тўғрисидаги маълумотлар “Шоҳлар китобига шарҳлар”да баён этилган. Йўшнинг ўрнига ўғли Эмозиё шоҳ бўлди.

25–БОБ

Яҳудо шоҳи Эмозиё

1 Эмозиё тахтга ўтирган пайтда, йигирма беш ёшда эди. У Қуддусда йигирма тўққиз йил ҳукмронлик қилди. Онаси Қуддуслик бўлиб, исми Ёҳуваддон эди.
2 Эмозиё Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди, аммо чин юракдан қилмаган эди.
3 Эмозиё ўз шоҳлигини мустаҳкамлаб олгандан кейин, отасини ўлдирган аъёнларни йўқ қилди. 4 Бироқ Мусонинг қонунида ёзилганига кўра, қотилларнинг болаларини ўлдирмади, чунки Эгамиз: “Оталар фарзандларининг гуноҳи учун ўлдирилмасин, фарзандлар оталарининг гуноҳи учун ўлдирилмасин, ҳар ким ўзининг гуноҳи учунгина ўлим жазосига тортилсин”, деб амр қилган эди*.

Эдом юртига қарши уруш

5 Эмозиё Яҳудо ва Бенямин қабилаларини, уларнинг уруғларига кўра, ҳарбий қисмларга бўлди. Улар устидан мингбоши ва юзбошиларни тайинлади. Эмозиёнинг лашкари йигирма ва ундан юқори ёшдаги 300.000 сараланган жангчидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳаммаси урушга яроқли, қилич ва қалқонни моҳирлик билан ишлата олар эди. 6 Булардан ташқари, Эмозиё 200 пуд* кумушга Исроилдан 100.000 баҳодир жангчини ёллади. 7 Лекин Худонинг бир одами Эмозиёнинг ҳузурига келиб, шу гапни айтди:

— Эй шоҳ! Исроил лашкари сен билан бормасин, чунки Эгамиз улар билан эмас. Исроил* халқига ёрдам беришдан Эгамиз воз кечган. 8 Сен жасорат билан жанг қилсанг ҳам, барибир Худо сени ғанимларинг олдида мағлуб қилади, чунки ёрдам берадиган ва мағлуб қиладиган Худодир.

9 Эмозиё Худонинг одамидан сўради:

— Исроил лашкари учун тўлаган икки юз пуд кумуш нима бўлади?

Худонинг одами:

— Эгамиз сенга бундан ҳам кўпроғини беришга қодир, — дея жавоб берди.

10 Шундан кейин Эмозиё Исроилдан* келган лашкарга жавоб бериб, уларни уйларига қайтариб юборди. Улар Яҳудо халқидан қаттиқ ғазабланиб, жаҳл устида уйларига қайтиб кетдилар.

11 Эмозиё жасорат кўрсатиб, лашкарини Туз водийсига* бошлаб борди. У ерда Эдомликлардан* 10.000 нафарини ўлдирди. 12 Яҳудо лашкари уларнинг яна 10.000 нафарини тириклайин асирга олиб, қоя чўққисидан пастга итариб юборди. Уларнинг ҳаммаси тошларга урилиб ҳалок бўлдилар.

13 Шу орада Эмозиё орқага қайтариб юборган Исроил лашкари Самария билан Байт–Хўрон оралиғидаги Яҳудо шаҳарларига ҳужум қилди, улар 3000 кишини ўлдириб, кўп ўлжа олдилар.

14 Эмозиё Эдомликларни мағлуб қилгандан кейин ўзи билан Эдомликларнинг

худоларини олиб келди. Уларни ўзига худо қилиб ўрнатди, ўша худоларга сажда қилиб, қурбонликлар келтирди. 15 Эгамиз бундан қаттиқ ғазабланиб, Эмозиёнинг ҳузурига пайғамбарини юборди. Пайғамбар унга шу сўзларини айтди:

— Нимага сен бегона худоларга сажда қиляпсан? Бу худолар ўз халқини сенинг қўлингдан қутқара олмади–ку!

16 — Қачондан бери сен шоҳнинг маслаҳатчиси бўлиб қолдинг?! — деб пайғамбарнинг гапини бўлди шоҳ. — Овозингни ўчир! Бўлмаса жонингни оламан.

Пайғамбарнинг гапи оғзида қолди, бироқ у шоҳни шундай деб огоҳлантириб қўйди:

— Сен шу ишни қилиб, менинг маслаҳатимга қулоқ солмаганинг учун Худо сени нобуд қилишга қарор қилганини биламан.

Исроил халқи Яҳудо юртини мағлуб қилади

17 Яҳудо шоҳи Эмозиё ўз аъёнлари билан маслаҳатлашиб, Исроил шоҳи Ёҳўшга*: “Қани, менга жанг майдонида рўбарў келиб кўр–чи*”, деган хабар жўнатди. Ёҳўш Ёҳухознинг ўғли, Ёҳунинг набираси эди.

18 Исроил шоҳи Ёҳўш эса бунга жавобан Яҳудо шоҳи Эмозиёга шу хабарни жўнатди: “Лубнон тоғларида бир ғовтикан садр дарахтига, қизингни ўғлимга хотинликка бер, деб хабар йўллабди. Ўша пайтда бир йиртқич ҳайвон ўша ердан ўтиб кетаётиб, ғовтиканни босиб янчиб кетибди. 19 Шунга ўхшаб сен ҳам: «Кўриб қўй, Эдомни мағлуб қилдим», деб мақтаниб, юрагинг киборликка тўлибди. Уйингда ўтиравер. Нима учун қитмирлик қиляпсан? Ўз бошингни ҳам, Яҳудо халқининг бошини ҳам балога гирифтор қиляпсан!”

20 Лекин Эмозиё қулоқ солмади. Бу Худонинг иши эди. Яҳудо халқи Эдомнинг худоларига сажда қилгани учун, Худо уларни душманнинг қўлига беришга қарор қилган эди. 21 Шунинг учун Исроил шоҳи Ёҳўш Яҳудо шоҳи Эмозиё устига юриш қилди. Иккала томоннинг лашкари Яҳудонинг Байт–Шамаш шаҳрида* рўбарў келди. 22 Исроил лашкари Яҳудо лашкарини мағлуб этди. Яҳудо лашкарининг ҳаммаси уйларига қочиб кетди. 23 Исроил шоҳи Ёҳўш Яҳудо шоҳи Эмозиёни Байт–Шамашда асир қилиб олди. Эмозиё Охозиёнинг* невараси, Йўшнинг ўғли эди. Сўнг Ёҳўш Эмозиёни Қуддусга олиб борди. У ерда Қуддус деворининг Эфрайим дарвозасидан Бурчак дарвозасигача бўлган 400 тирсак* қисмини буздирди. 24 Худонинг уйида Обидадомнинг* насли қўриқлаган ҳамма олтину кумушни ва ашёларни тортиб олди. Булардан ташқари, сарой хазинасини ва асирларни олиб, Самарияга қайтиб кетди.

25 Яҳудо шоҳи Эмозиё Исроил шоҳи Ёҳўшнинг ўлимидан кейин ўн беш йил яшади. 26 Эмозиёнинг бошқа ишлари бошдан охиргача “Яҳудо ва Исроил шоҳлари китоби”да ёзилган. 27 Эмозиё Эгамиздан юз ўгирган вақтда Қуддусда унга қарши фитна уюштирилди. Эмозиё бундан хабар топиб, Лахиш шаҳрига* қочди. Аммо душманлари Эмозиёнинг ортидан одам юбориб, уни ўша ерда ўлдиртирдилар. 28 Эмозиёнинг жасадини отда Қуддусга олиб келдилар. У Довуд қалъасида* ота–боболарининг ёнига дафн қилинди.

26–БОБ

Яҳудо шоҳи Уззиё

1 Шундан кейин Яҳудо халқи ўн олти ёшли Уззиёни отаси Эмозиёнинг ўрнига шоҳ қилди. 2 Эмозиёнинг вафотидан сўнг, Уззиё илгарилари Яҳудога қарашли бўлган Элет шаҳрини* қўлга киритиб, қайтадан қурди.

3 Уззиё шоҳ бўлганда, ўн олти ёшда эди. У Қуддусда эллик икки йил

ҳукмронлик қилди. Онаси Қуддуслик бўлиб, исми Ёхолиё эди. 4 Уззиё ҳам, отаси
Эмозиё каби, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. 5 Закариё ҳаётлиги даврида
Уззиё Худога интиларди, Закариё унга Худонинг йўлидан юришни ўргатарди*.
Уззиё Эгамизга интилган пайтда, Худо унга ҳузур–ҳаловат бағишлади.
6 Уззиё Филистларга қарши уруш бошлаб, Гат, Ёбнах ва Ашдод шаҳарларининг
деворларини бузиб ташлади. У Ашдод ҳудудида ва Филистларга қарашли бошқа
жойларда шаҳарлар қурди. 7 У Филистларга, Гур–Баалда яшайдиган Арабларга ва
Мавунларга қарши уруш қилганда, Худо унга мадад берди. 8 Мавун халқи* Уззиёга
ўлпон тўлайдиган бўлди. У ниҳоятда кучайиб кетганидан, шуҳрати Миср
чегарасигача ёйилди. 9 Бундан ташқари, Уззиё Қуддусдаги Бурчак дарвозаси,
Сойлик дарвозаси ва деворнинг қайрилган жойларида миноралар қуриб, бу
мораларни мустаҳкамлади. 10 У саҳрода мудофаа қўрғонларини қурдирди.
Яҳудо қир этакларида ва текисликларда боқилган подалари кўп бўлгани учун,
кўплаб сардобалар қаздирди. Деҳқончиликка ихлос қўйгани учун адирлару
унумдор ерларда экинлар эктириб, узумзорлар барпо қилди. У ерда ишлайдиган
деҳқону боғбонлари бор эди.
11 Уззиёнинг моҳир жангчилардан ташкил топган лашкари бор эди. Бу
жангчиларни котиб Явиёл ва унинг ёрдамчиси Масиё сафарбар қилиб, уларни
бўлинмаларга бўлган эди. Котиб Явиёл билан Масиё Ханониёнинг қўли остида иш
олиб борар эдилар. Ханониё шоҳнинг аъёни эди. 12 Бу сараланган жангчиларга
2600 уруғбоши қўмондонлик қиларди. 13 Уларнинг қўли остида жами 307.500
баҳодир жангчи бўлиб, бу катта лашкар шоҳни душманларидан ҳимоя қилар эди.
14 Уззиё бутун лашкарни қалқонлар, найзалар, дубулғалар, совутлар, камонлар ва
сопқон тошлари билан таъминлаган эди. 15 У Қуддусдаги миноралар устига ва
шаҳар девори бурчакларига олимлари кашф этган ўқ отадиган қуроллар ва катта
тошларни улоқтирадиган қуролларни ўрнатди. Худо унга ёрдам бергани учун у
ниҳоятда қудратли бўлиб, шуҳрати ҳар ёққа таралди.

Шоҳ Уззиё такаббурлиги учун жазоланади

16 Уззиё кучайиб кетгандан кейин, ҳалокатга олиб борадиган киборликка
берилди. У Эгамизнинг Маъбадига кириб, тутатқи қурбонгоҳида тутатқи тутатди,
шу йўсин ўзининг Эгаси Худога итоатсизлик қилди. 17 Руҳоний Озариё
Эгамизнинг саксонта жасур руҳонийси билан бирга Уззиёнинг кетидан борди.
18 Улар шоҳ Уззиёга танбеҳ бериб дейишди:
— Эй шоҳимиз! Эгамизга тутатқи тутатиш сизнинг ишингиз эмас. Бу Ҳорун
наслидан бўлган руҳонийларнинг ишидир*. Тутатқи тутатишга улар
бағишланганлар. Қани бўлинг, бу муқаддас жойдан чиқиб кетинг! Сиз
ўзбошимчалик қилдингиз. Бу қилмишингиз учун Парвардигор Эгамиз сизни
юксалтирармиди?!
19 Уззиё ўша пайтда қўлидаги оловкураги билан тутатқи тутатишга тайёр
бўлиб турган эди. У руҳонийларнинг танбеҳидан қаттиқ ғазабланган эди, шу
заҳотиёқ пешанасига яра тошди*. Бу ҳодиса Эгамизнинг уйидаги тутатқи
қурбонгоҳи олдида, руҳонийларнинг кўз ўнгида содир бўлди. 20 Олий руҳоний
Озариё билан бошқа руҳонийлар шоҳ пешанасидаги қўрқинчли яраларни
кўришгач, шоҳни ташқарига олиб чиқишга шошилдилар. Шоҳнинг ўзи ҳам
ташқарига отланди, чунки Эгамиз уни жазолаган эди. 21 Уззиё умрининг
охиригача тери касаллигидан тузалмади. У алоҳида бир уйда ёлғиз яшади.
Эгамизнинг уйига кириш унга ман этилган эди. Юртдаги халқни ҳам, шоҳ
саройини ҳам ўғли Йўтом бошқарарди.
22 Уззиёнинг бошқа ишларини бошдан охиргача Омиз ўғли Ишаё пайғамбар

ёзиб қолдирган. 23 Уззиё оламдан ўтиб, шоҳлар қабристонининг бир четига дафн қилинди. Бироқ тери касаллигига чалингани учун уни шоҳлар хилхонасига қўймадилар. Унинг ўрнига ўғли Йўтом шоҳ бўлди.

27–БОБ

Яҳудо шоҳи Йўтом

1 Йўтом йигирма беш ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўн олти йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Еруша бўлиб, у Зодўхнинг қизи эди. 2 Йўтом, отаси Уззиё каби, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. Аммо отасидан фарқли равишда Эгамизнинг Маъбадида тутатқи тутатмади*. Халқ эса ҳамон бузуқ одатларини давом эттирарди.

3 Йўтом Эгамиз уйининг Юқори Дарвозасини қурди ва Офел тепалигидаги* девор устида катта ишларни олиб борди. 4 Бундан ташқари, у Яҳудонинг қирларида шаҳарлар, ўрмонзорларда қалъалар ва миноралар қурдирди. 5 У Оммонликларга қарши жанг қилиб, уларни бўйсундирди. Оммонликлар уч йил давомида Йўтомга қуйидаги миқдордаги ўлпонни тўлашга мажбур бўлдилар: 200 пуд* кумуш, 100.000 тоғора* буғдой ва 100.000 тоғора арпа.

6 Йўтом Эгаси Худога содиқлик билан итоат этгани учун қудратли бўлиб кетди.

7 Йўтомнинг бошқа ишлари, қилган жанглари ва тутган йўллари “Исроил ва Яҳудо шоҳлари китоби”да ёзилган. 8 У йигирма беш ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўн олти йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Еруша бўлиб, у Зодўхнинг қизи эди. 9 Йўтом оламдан ўтиб, Довуд қалъасида дафн қилинди. Ўрнига ўғли Охоз шоҳ бўлди.

28–БОБ

Яҳудо шоҳи Охоз

1 Охоз йигирма ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўн олти йил ҳукмронлик қилди. У бобоси Довуддан намуна олмади, Эгамизнинг олдида тўғри ишлар қилмай, 2 Исроил шоҳларининг йўлидан кетди. У Баалга сажда қилиш учун Баалнинг қуйма тасвирларини ясади. 3 Хиннум сойлигида* бутларга атаб қурбонликлар куйдирди. Канъон юртидан Эгамиз қувган қавмларнинг жирканч одатларига тақлид қилиб, ҳатто ўз ўғилларини қурбонлик қилиб, оловда куйдирди*. 4 Саждагоҳларда*, тепаликларда ва ҳар қандай яшил дарахт остида қурбонликлар келтириб, тутатқи тутатарди.

Орам ва Исроил халқлари Яҳудо юртига ҳужум қилади

5 Шоҳ Охоз гуноҳ қилгани учун, Эгаси Худо уни Орам шоҳининг қўлига берди. Орам шоҳи Охозни мағлуб қилиб, халқидан жуда кўпчилигини асир қилиб, Дамашққа олиб кетди.

Бундан ташқари, Эгамиз шоҳ Охозни Исроил шоҳи қўлига берди. Исроил шоҳи Охознинг бошига катта қирғин солиб, уни мағлуб қилди. 6 Бир куннинг ўзида Исроил шоҳи Рамалиё ўғли Пеках Яҳудо лашкарининг 120.000 баҳодир жангчисини ўлдирди. Бунга сабаб Яҳудо халқи ўз ота–боболарининг Худоси — Эгамизни тарк этгани бўлди. 7 Исроил* халқидан бўлган баҳодир жангчи Зихри шоҳнинг ўғли Масиёни, сарой бошқарувчиси Озрикомни ва шоҳнинг ўнг қўл вазири Элқанани ўлдирди. 8 Яҳудо халқи уларга қариндош бўлишига қарамай, Исроил лашкари улардан 200.000 нафар аёл ва ўғил–қизларини асир қилиб, катта

ўлжа билан бирга, Самарияга олиб кетишди.

Одод пайғамбар

9 Эгамизнинг Одод деган пайғамбари Самарияда эди. У қайтиб келган Исроил
лашкарини қаршилаб чиқиб, уларга шундай деди:
— Ота–боболарингизнинг Худоси — Эгангиз Ўз халқи Яҳудодан ғазаблангани
учун уларни сизнинг қўлингизга топширди. Сизлар эса уларни шунчалик қаҳр
билан қирдингизки, уларнинг садоси самоларга етди. 10 Шуниси етмагандай,
сизлар Яҳудо ва Қуддус халқининг эркагу аёлини ўзингизга қул қилмоқчи
бўлдингиз. Ўзингизга бир қаранг, Эгангиз Худо олдида қилган
қилмишларингизнинг ҳаммаси турган–битгани гуноҳ–ку! 11 Энди гапимни
эшитинг! Асир қилган бу қариндошларингизни орқага қайтариб юборинг. Акс
ҳолда, Эгамиз Ўз ғазабини сизнинг устингизга сочади.
12 Исроил* халқининг баъзи йўлбошчилари ҳам, чунончи, Йўханон ўғли
Озариё, Машилламўт ўғли Бархиё, Шаллум ўғли Ёхизқиё ва Ҳадлай ўғли Эмоса
урушдан қайтиб келганларга ўз норозилигини билдириб, 13 дедилар:
— Асирларни бу ерга олиб келманглар! Биз Эгамизга қарши гуноҳ қилиб,
Унинг қаҳрини келтириб бўлдик. Сизлар эса шусиз ҳам ортиб ётган гуноҳимиз
устига яна гуноҳ орттирмоқчисизлар.
14 Шунда сипоҳлар Исроил аъёнлари ва бутун жамоа олдида асирларни озод
қилиб, ўлжаларни топширдилар. 15 Юқорида номлари айтилган тўртта йўлбошчи
асирларнинг орасидаги яланғоч бўлганларнинг ҳаммасига ўлжа олинган
нарсалардан уст–бош, оёқ кийим бердилар, едирдилар, ичирдилар, яраларига мой
суртдилар. Кейин заифларни эшакларга миндириб, асирларнинг ҳаммасини
Яҳудога қарашли пальма шаҳри Ерихога олиб бордилар. Сўнг Самарияга қайтиб
келдилар.

Шоҳ Охоз Оссуриядан ёрдам сўрайди

16 Ўша пайтда шоҳ Охоз Оссурия шоҳидан ёрдам сўраб, ҳузурига одам жўнатди,
17 чунки Эдомликлар яна Яҳудо юртига ҳужум қилиб, кўп асирларни олиб кетган
эдилар. 18 Шу орада Филистлар ҳам Яҳудо қир этакларидаги ҳамда Нагав
чўлидаги* шаҳарларга ҳужум қилиб, Байт–Шамаш, Ойжавлон ва Гадерўт
шаҳарларини қўлга киритдилар, шунингдек, Сўху, Тимнах ва Гимзо шаҳарларини
ва бу шаҳарлар атрофидаги қишлоқларни қўлга олиб, ўша жойларга ўрнашиб
олдилар. 19 Шоҳ Охоз Яҳудо халқини гуноҳ қилишга ундаб, Эгамизга ҳаддан
ташқари кўп хиёнат қилгани учун, Яҳудо халқини Эгамиз шу қадар таҳқирлаган
эди. 20 Оссурия шоҳи Тиғлатпиласар* келиб, Охозга ёрдам бериш ўрнига зулмни
кучайтирди. 21 Охоз Эгамизнинг уйидан, шоҳ саройидан ва аъёнларнинг уйидан
қимматбаҳо нарсаларни олиб, Оссурия шоҳига ўлпон қилиб берди. Бироқ бу ҳам
ёрдам бермади.

Шоҳ Охознинг гуноҳлари

22 Ҳаётининг энг қийин дамларида ҳам ўша шоҳ Охоз Эгамизга янада
баттарроқ хиёнат қилди. 23 Уни мағлуб қилган Орам халқининг худоларига
қурбонликлар келтирди. У ичида шундай дерди: “Орам шоҳларининг худолари
уларга ёрдам берди, агар мен Орам худоларига қурбонлик келтирсам, улар менга
ҳам ёрдам беришади.” Ваҳоланки, бу худолар шоҳ Охознинг ва унинг қўли
остидаги бутун халқнинг ҳалокатига сабаб бўлди. 24 Охоз Эгамизнинг уйидаги
ҳамма ашёларни йиғиштириб олиб, чиқариб ташлади. Эгамизнинг уйи
эшикларини беркитиб, Қуддуснинг ҳар бурчагида қурбонгоҳлар қурдирди.
25 Яҳудонинг ҳамма шаҳарларида бегона худоларга қурбонликлар куйдириш учун

саждагоҳлар барпо қилиб, ота–боболарининг Худоси — Эгамизни ғазаблантирди.
[26] Охознинг бошқа ишлари ва тутган йўллари бошидан охиригача “Яҳудо ва Исроил шоҳлари китоби”да ёзилган. [27] Охоз оламдан ўтиб, Қуддусда дафн қилинди. Лекин уни Исроил шоҳлари хилхонасига кўммадилар. Унинг ўрнига ўғли Ҳизқиё шоҳ бўлди.

29–БОБ

Яҳудо шоҳи Ҳизқиё

[1] Ҳизқиё йигирма беш ёшида шоҳ бўлди. У Қуддусда йигирма тўққиз йил шоҳлик қилди. Онасининг исми Абиё бўлиб, Закариёнинг қизи эди. [2] Ҳизқиё, бобоси Довуд каби, Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди.

Маъбад покланади

[3] Ҳизқиё ўз ҳукмронлигининг биринчи йили биринчи ойида* Эгамизнинг уйи эшикларини қайтадан очди*, уларни тузаттирди. [4] Сўнг руҳонийларни ва левиларни чақиртириб, уларни Маъбаднинг шарқий ҳовлисига тўплади. [5] Ҳизқиё уларга деди:
— Гапимни эшитинглар, эй левилар! Ўзларингизни поклангланг, ота–боболарингиз Худоси — Эгамизнинг уйини ҳам поклангланг! Бу муқаддас жойдан ҳаром нарсаларни чиқариб ташланглар! [6] Бизнинг ота–боболаримиз бевафо эдилар. Улар Эгамиз Худо олдида ёмон ишлар қилиб, Уни тарк этдилар. Эгамизнинг маконидан юзларини ўгириб, Унга орқаларини бурдилар. [7] Маъбад эшикларини ёпиб ташладилар, чироқларни ўчириб қўйдилар. Исроил халқининг Худосига атаб, муқаддас масканда тутатқи тутатилмайдиган, қурбонликлар куйдирилмайдиган бўлди. [8] Шунинг учун Яҳудо ва Қуддусга Эгамиз Ўз қаҳрини сочди. Уларнинг аҳволидан ҳамма ёқасини ушлаб, даҳшату ваҳимага тушди. Сиз ўзингиз ҳам бундан хабардорсиз. [9] Шунинг учун оталаримиз жангда ҳалок бўлди, хотину ўғил–қизларимиз асирликка олиб кетилди. [10] Эгамиз биздан Ўз қаҳрини қайтарсин деб, мен Исроил халқининг Худоси — Эгамиз билан аҳд қилишга қарор этдим. [11] Ўғилларим! Энди эътиборсиз бўлманглар, чунки Эгамиз сизларни Унинг ҳузурида хизмат қилишингиз учун ва қурбонликлар куйдиришингиз учун танлаб олган.
[12] Левилардан қуйидагилар шу ерда эдилар:

Қоҳот наслидан — Эмосай ўғли Махат, Озариё ўғли Йўэл,
Марори наслидан — Абди ўғли Киш ва Ёхалил ўғли Озариё,
Гершон наслидан — Зиммо ўғли Йўх, Йўх ўғли Эден,
[13] Элизофон наслидан — Шимри, Ёвал,
Осиф наслидан — Закариё, Маттаниё,
[14] Хаман наслидан — Ёхиёл, Шимах,
Ёдутун наслидан — Шамаё ва Узиёл.

[15] Руҳонийлар билан левилар қолган леви биродарларини тўплаб, ҳаммаси ўзларини покладилар. Сўнг шоҳнинг фармони бўйича, Эгамизнинг қонун–қоидаларига риоя қилган ҳолда, Эгамизнинг уйини поклай бошладилар*.
[16-17] Улар биринчи ойнинг* биринчи кунида ишга киришиб, саккиз кун давомида Эгамиз уйининг ҳовлиларини покладилар. Кейинги саккиз кун давомида уйнинг ўзини покладилар. Руҳонийлар Эгамизнинг уйига кириб, Маъбаддаги ҳамма ҳаром–хариш нарсаларни Эгамиз уйининг ҳовлисига олиб чиқдилар. Левилар эса

бу нарсаларни шаҳар ташқарисига, Қидрон сойлигига* олиб бориб ташладилар. Биринчи ойнинг ўн олтинчи кунига келиб, ҳамма ишларини тугатдилар.

18 Сўнгра улар шоҳ Ҳизқиё ҳузурига бориб, шундай дедилар:

— Биз Эгамизнинг бутун уйини, қурбонлик куйдириладиган қурбонгоҳни ва қурбонгоҳнинг ҳамма ашёларини, муқаддас нонлар қўйиладиган хонтахтани ва хонтахтанинг ҳамма ашёларини покладик. 19 Шоҳ Охоз ўз бевафолиги дастидан чиқариб ташлаган ҳамма ашёларни биз олиб келиб, покладик. Мана, уларнинг ҳаммаси Эгамизнинг қурбонгоҳи олдида турибди.

Маъбадда хизмат тикланади

20 Шоҳ Ҳизқиё эртаси куни саҳарда шаҳар аъёнларини тўплаб, ҳаммаларини Эгамизнинг уйига бошлаб борди. 21 Улар шоҳ хонадонининг ва Яҳудо халқининг гуноҳини ювиш учун ҳамда Маъбадни поклаш учун гуноҳ қурбонлиги* қилиб еттита буқа, еттита қўчқор, еттита қўчқор қўзи ва еттита такани олиб келдилар. Ҳорун наслидан бўлган руҳонийларга шоҳ: “Буларни Эгамизнинг қурбонгоҳида назр қилинглар!” деб буюрди. 22 Руҳонийлар буқаларни сўйиб, қонини қурбонгоҳга сепдилар. Кейин қўчқорларни сўйиб, қонини қурбонгоҳга сепдилар. Қўзиларни ҳам сўйиб, қонини қурбонгоҳга сепдилар. 23 Сўнгра гуноҳ қурбонлиги қилинадиган такаларни шоҳ ва жамоа олдига олиб келдилар. Улар қўлларини такалар устига қўйдилар. 24 Руҳонийлар такаларни сўйдилар, бутун халқни гуноҳларидан поклаш учун қонни қурбонгоҳга сепдилар. Негаки, шоҳ: “Куйдириладиган қурбонликлар ва гуноҳ қурбонликлари жамики Исроил учун қилинсин”, деб фармон берган эди.

25 Ҳизқиё шоҳ Довуднинг кўрсатмаларига риоя қилиб, левиларни Эгамизнинг уйига жойлаштирди, уларга зил, арфа ва лираларни берди. Бу кўрсатмаларни Довудга Эгамиз Ўз пайғамбарлари Гад ва Натан орқали берган эди. Гад шоҳ Довуднинг хизматидаги валий эди. 26 Левилар Довуднинг чолғу асбобларини олиб, руҳонийлар карнайларини олиб, ўз жойларини эгалладилар. 27 Шундан кейин Ҳизқиё: “Қурбонгоҳда қурбонликлар куйдирилсин!” деб буюрди. Қурбонликлар куйдирила бошланган заҳоти қўшиқчилар Довуднинг чолғу асбоблари ва карнайлар жўрлигида Эгамизга ҳамду санолар айтишни бошладилар. 28 Қурбонликлар куйдирилиб бўлгунча, бутун жамоа сажда қилиб, қўшиқчилар қўшиқ айтиб, карнайчилар карнай чалиб турдилар. 29 Қурбонлик тугагач, шоҳ Ҳизқиё ва бутун халқ тиз чўкиб, Худога сажда қилди. 30 Шоҳ Ҳизқиё билан аъёнлар левиларга: “Довуд ва валий Осиф ёзган саноларни айтиб, Эгамизни мадҳ қилинглар!” деб буюрдилар. Левилар севинч ила сано куйлаб, тиз чўкиб сажда қилдилар.

31 Кейин Ҳизқиё халққа деди:

— Мана, сизлар ўзингизни Эгамизга бағишладингизлар. Энди атаган қурбонлигу шукрона назрларингизни Эгамизнинг уйига олиб келинглар.

Жамоа қурбонликлар ва шукрона назрларини келтирди. Баъзилари эса кўнгилдан чиқариб куйдириладиган қурбонлик учун ҳайвонларни ҳам олиб келдилар. 32 Куйдириладиган қурбонлик учун 70 та буқа, 100 та қўчқор ва 200 та қўзи келтирилди. 33 Булардан ташқари, жамоа 600 та буқа ва 3000 та қўйни қурбонлик қилиш учун олиб келди. 34 Аммо руҳонийлар озчилик бўлганлари учун куйдириладиган ҳайвонларнинг терисини шилишга улгура олмаётган эдилар. Шу сабабдан уларнинг қариндошлари левилар то иш тугагунча ва бошқа руҳонийлар ўзларини поклагунча уларга қарашиб турдилар. Левилар, руҳонийларга қараганда, ўзларини поклаш масаласига жиддийроқ ёндашган эдилар. 35 Куйдириладиган қурбонликларнинг миқдори ниҳоятда кўп эди. Булардан

ташқари, тинчлик қурбонликларининг ёғлари ва куйдириладиган қурбонликлар билан бирга келтириладиган шароб назри ҳам ғоятда мўл эди. Шу йўсинда, Эгамиз уйидаги хизмат қайта тикланди. 36 Худонинг Ўз халқига қилган бу ишидан Ҳизқиё ва бутун жамоа севинди. Буларнинг ҳаммаси қисқа вақтда содир бўлган эди.

30–БОБ

Шоҳ Ҳизқиё Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрамини нишонлайди

1-4 Исроил халқи Фисиҳ зиёфатини* ўз вақтида — биринчи ойда* нишонлай олмаган эди, чунки кўп руҳонийлар ўзларини ҳануз покламаган ва одамларнинг аксарият қисми Қуддусга йиғилмаган эди. Шунинг учун шоҳ Ҳизқиё, унинг аъёнлари ва Қуддусдаги жамоа Фисиҳ зиёфатини иккинчи ойда* нишонлашга қарор қилдилар. Шоҳ Ҳизқиё бутун Исроил ва Яҳудо халқига, шунингдек, Эфрайим ва Манаше қабилаларига бу ҳақда хабар жўнатиб, уларни Исроил халқининг Худосига — Эгамизга аталган Фисиҳ зиёфатини нишонлаш учун Эгамизнинг Қуддусдаги уйига таклиф қилди.

5 Жанубдаги Бершебадан тортиб, то шимолдаги Дан шаҳригача бўлган Исроил ҳудудларида истиқомат қилган ҳамма одамлар Фисиҳ зиёфатини нишонлаш учун Қуддусга таклиф қилинди. Негаки бу зиёфат анча вақтдан бери, қонунда кўрсатилгандай, бутун халқ томонидан нишонланмаган эди. 6 Чопарлар шоҳ ва унинг аъёнлари номидан ёзилган мактубни бутун Исроил ва Яҳудо халқларига етказдилар. Мактубда қуйидагилар битилган эди:

> “Эй Оссурия босқинчиларидан* омон қолган Исроил халқи!
> Иброҳимнинг, Исҳоқнинг ва Ёқубнинг* Худоси — Эгамизга қайтинглар,
> шунда У ҳам сизга қайтади. 7 Эгаси Худога хиёнат қилган
> ота–боболарингизга ва Исроиллик қариндошларингизга ўхшаманглар.
> Ўзингиз кўриб турганингиздай Худо уларни қаттиқ жазолади.
> 8 Ота–боболарингиз сингари қайсар бўлманглар, Эгамизга бўйсунинглар,
> Унинг Маъбадига келинглар. Эгамиз Маъбадни абадий муқаддас қилган.
> Эгангиз Худога сажда қилинглар, ана шунда У ғазабидан тушади. 9 Агар
> Эгамизга қайтсангиз, қариндошу бола–чақаларингизни асир қилган
> босқинчилар уларга раҳм қиладилар, уйларига қайтиб келишларига йўл
> қўядилар. Зотан, Эгангиз Худо иноятли ва раҳмдилдир. Унга қайтсангиз, У
> сиздан юзини ўгирмайди.”

10 Шундай қилиб, чопарлар то шимолдаги Забулун ҳудудигача бўлган Эфрайим ва Манаше ҳудудларидаги ҳамма шаҳарларга кириб чиқдилар. Лекин одамлар заҳархандалик билан уларни масхара қилдилар. 11 Фақат Ошер, Манаше ва Забулун қабиласидан баъзилари итоат этиб, Қуддусга келдилар. 12 Яҳудо халқини эса Худо бирлаштириб, уларга шоҳ ва аъёнларнинг кўрсатмасини бажаришга хоҳиш берган эди. Бу кўрсатма Эгамизнинг амрига асосланган эди.

13 Иккинчи ойда Хамиртурушсиз нон байрамини* нишонлаш учун жуда кўп халқ Қуддусга йиғилди. 14 Улар Қуддусдаги ҳамма бегона қурбонгоҳларни ва ҳамма тутатқи қурбонгоҳларини қўпориб, Қидрон сойлигига* улоқтириб ташладилар. 15 Иккинчи ойнинг ўн тўртинчи куни эса Фисиҳ қўзиларини сўйдилар. Ўзларини покламаган руҳонийлар ва левилар уятли аҳволда қолганидан покланиш маросимини адо этиб, куйдириладиган қурбонликларини Эгамизнинг уйига олиб келдилар. 16 Сўнг улар Худонинг одами Мусонинг

қонунига мувофиқ Маъбадда ўз жойларини эгалладилар. Руҳонийлар левиларнинг қўлидан қурбонлик қонини олиб, қурбонгоҳга сепдилар. 17 Халқдан кўпчилиги ўзларини покламагани учун Фисиҳ қўзисини қурбон қила олмадилар. Бундай одамларнинг Фисиҳ қўзисини сўйиш ва Эгамизга аташ вазифасини левиларнинг ўзлари бажардилар. 18 Эфрайим, Манаше, Иссахор ва Забулун қабиласидан келганларнинг аксарияти ўзларини покламаган бўлсалар–да, Худонинг қонунига зид равишда Фисиҳ таомидан тановул қилдилар. Лекин Ҳизқиё улар учун қуйидагича ибодат қилди: “Эй Эгам, мурувватинг ила бу бандаларингни кечир. 19 Улар покланиш маросимини адо этмаган бўлсалар–да, эй Эгамиз, улар Сенга чин юракдан сажда қилишга қарор этганлар. Ахир, Сен ота–боболарининг Худосисан.” 20 Ҳизқиёнинг ибодатини Эгамиз эшитиб, халқни кечирди, уларга зарар етказмади.

21 Қуддусда тўпланган халқ катта хурсандчилик билан етти кун давомида Хамиртурушсиз нон байрамини нишонлади. Левилар ва руҳонийлар ҳар куни созларнинг баланд куйлари жўрлигида Эгамизни мадҳ қилдилар. 22 Ҳизқиё Эгамизга хизмат қилишда моҳирлик кўрсатган ҳамма левиларни руҳлантирди. Хуллас, халқ тинчлик назрларини қурбон қилди, ота–боболарининг Худосига — Эгамизга шукроналар айтиб, етти кун байрам таомини тановул қилди.

Иккинчи байрам

23 Бутун жамоа байрамни яна етти кун нишонлашга қарор қилди. Шундай қилиб, улар яна етти кун хурсандчилик билан байрам қилдилар. 24 Яҳудо шоҳи Ҳизқиё жамоага қурбонлик қилиш учун 1000 та буқа ва 7000 та қўй берди. Шоҳ аъёнлари эса 1000 та буқа ва 10.000 та қўй бердилар. Жуда кўп руҳонийлар ўзларини покладилар. 25 Яҳудо халқи, руҳонийлар, левилар, Исроил халқи, Исроил ва Яҳудода истиқомат қилаётган мусофирлар ўзларида йўқ хурсанд эдилар. 26 Қуддусда катта хурсандчилик ҳукм сурарди. Исроил шоҳи Довуд ўғли Сулаймон замонидан бери Қуддусда бундай воқеа юз бермаган эди. 27 Сўнгра руҳонийлар ва левилар туриб, халқни дуо қилдилар. Уларнинг ибодати Худонинг самодаги муқаддас маконига етиб, ижобат бўлди.

31–БОБ

Шоҳ Ҳизқиёнинг ислоҳотлари

1 Байрам тугагандан кейин, ўша ердаги бутун халойиқ Яҳудо, Бенямин, Эфрайим ва Манаше ҳудудидаги шаҳарларга бориб, бутсимон тошларни парчалаб ташладилар, Ашеранинг* устунларини кесдилар, саждагоҳлар* ва қурбонгоҳларни вайрон қилдилар. Биттасини ҳам қолдирмадилар. Шундан кейин ҳаммалари ўз шаҳарларига, ўзларининг мулкига қайтдилар.

2 Ҳизқиё руҳонийларни ва левиларни гуруҳларга бўлди. Ҳар бир гуруҳга қуйидаги вазифаларни тақсимлаб берди: Эгамизнинг Маъбади ҳовлисида куйдириладиган қурбонликларни ва тинчлик қурбонликларини назр қилиш, у ерда хизмат қилиб, ҳамду сано ва мадҳиялар айтиш. 3 Эгамизнинг қонунига кўра, ҳар куни эрталаб ва кечқурун, Шаббат кунлари, янги ой шодиёналари ва тайинланган байрам кунлари куйдириладиган қурбонликлар келтирилиши лозим эди. Шоҳ Ҳизқиё ўзининг шахсий мулкидан бу қурбонликлар учун ҳайвонларни берди. 4 У Қуддусда яшаган халққа: “Руҳонийлар ва левиларга тегишли улушни беринглар, токи улар ўзларини тўлиқ Эгамизнинг қонунларини бажаришга бағишласинлар”, деб фармон берди. 5 Фармон берилгач, халқ буғдойнинг, шароб, зайтун мойи, асал ва далада етиштирилган донларнинг

биринчи ҳосилидан мўл қилиб, олиб келдилар. Улар олиб келган ҳамма нарсанинг ушри* ниҳоятда мўл эди. [6] Яҳудо шаҳарларида яшаган Исроил ва Яҳудо халқи мол–қўйларининг ушрини ҳамда Эгаси Худога атаб бағишланган инъомларнинг ушрини олиб келиб, уюм–уюм қилдилар. [7] Халқ инъомлар олиб келишни учинчи ойда* бошлаб, еттинчи ойда* тугатди. [8] Ҳизқиё ва унинг аъёнлари келиб уюм–уюм инъомларни кўришгач, Эгамизга ҳамду сано айтиб, Исроил халқини дуо қилишди.

[9] Ҳизқиё руҳонийлар ва левилардан бу инъомлар ҳақида сўраганда, [10] Зодўх хонадонидан бўлган олий руҳоний Озариё Ҳизқиёга шундай жавоб берди: “Халқ инъомларни Эгамизнинг уйига олиб кела бошлаганидан бери, озуқамиз етарли. Жуда кўп ортиб қолгани ҳам бор. Ҳа, Эгамиз Ўз халқига барака берди, ортганининг кўплигини бир кўриб қўйинг.” [11] Шунда Ҳизқиёнинг буйруғига биноан, Эгамиз уйининг омборхоналари тайёрланди. [12] Бу омборхоналарга ҳамма ҳадялар, ушрлар ва бағишланган инъомлар қўйилди. Буларга назоратчи қилиб леви Хонаниё, унинг ёрдамчиси қилиб укаси Шимах тайинланди. [13] Уларнинг қўли остида қуйидаги ўн нафар леви ишлайдиган бўлди: Ёхиёл, Озазиё, Нахат, Осойил, Яримўт, Йўзабад, Элиёл, Йисмахиё, Махат ва Бинаё. Буларнинг ҳаммаси шоҳ Ҳизқиё ва олий руҳоний Озариё томонидан тайинланган эдилар.

[14] Кори Маъбаднинг шарқий дарвозаси дарвозабони бўлиб, Худога кўнгилдан қилинган назрлар учун масъул эди. Кори леви Йимнахнинг ўғли эди. Унинг вазифаси Эгамизга аталган инъомларни ва энг муқаддас назрларни руҳонийлар ва левиларга бўлиб бериш эди. [15] Унинг содиқ ёрдамчилари Эден, Минёмин, Ешува, Шамаё, Эмориё ва Шаханиё эдилар. Улар руҳонийларга қарашли шаҳарларда хизмат қилиб, у ердаги руҳонийларнинг оилаларига гуруҳлари бўйича улуш тақсимлаб беришар эди. Ёшу қарига бир хил улуш ажратишарди: [16] Эгамизнинг уйидаги хизматни гуруҳлари бўйича бажарадиган ҳамма эркакларга, шунингдек, насабномада номлари қайд этилган уч ва ундан юқори ёшдаги ўғил болаларга улуш беришарди. [17] Улар хонадонлари бўйича рўйхатга олинган руҳонийларга, шунингдек, йигирма ва ундан юқори ёшдаги левиларга улуш ажратишарди. Левиларнинг рўйхати бажарадиган вазифалари ва гуруҳлари асосида тузилган эди. [18] Насабномада номлари қайд этилган ҳамма эркакларнинг оилаларига — хотини, ўғил–қизлари, чақалоқларига ҳам улуш бериларди. Зотан, улар ўзларини пок сақлашда садоқат кўрсатар эдилар. [19] Шаҳарларнинг четларида истиқомат қилган, Ҳорун наслидан бўлган руҳонийларга келсак, уларга ҳам улуш тарқатадиган одамлар тайинланган эди. Бу одамлар руҳоний уруғидан бўлган ҳар бир эркак зотига ва рўйхатга олинган ҳар бир левига улуш беришар эди.

[20] Шу йўсинда, Ҳизқиё бутун Яҳудо бўйлаб улуш тарқатиш вазифасини уддалади. У Эгаси Худо олдида яхши, тўғри ва ҳалол ишлар қилди. [21] Маъбад хизматига, Худонинг қонунлари ва амрларига оид қилган ҳар бир ишини Худога интилган ҳолда, чин юракдан қилгани учун кўп муваффақиятга эришди.

32–БОБ

Оссурияликлар Қуддусга хавф солади

[1] Шоҳ Ҳизқиё садоқат билан бажарган бу ишларидан кейин, Оссурия шоҳи Санхарив* Яҳудога бостириб келди. У мустаҳкам шаҳарларни эгаллаб олиш мақсадида уларни қамал қилди. [2] Санхарив Қуддусга ҳужум қилмоқчи бўлганини Ҳизқиё билгач, [3] лашкарбошилари ва жангчиларига маслаҳат солди. Улар шаҳар

ташқарисидаги булоқлар оқимини тўхтатишга қарор қилдилар. 4 Бир талай
халойиқ тўпланиб: “Нимага энди Оссурия шоҳи келиб, мўл–кўл сувга эга бўлар
экан”, дея ҳамма булоқларни ва ҳудуддан оқиб ўтган ирмоқни тўхтатди. 5 Ҳизқиё
қатъият билан ишга киришиб, бузилган деворни қурдирди, девор устига
миноралар ўрнатди. Шаҳар деворининг ташқарисидан яна бир девор кўтартирди.
Шунингдек, Довуд қалъасининг шарқ томонидаги Миллони* тузаттирди, кўплаб
қурол–аслаҳа ва қалқонлар ясаттирди. 6 Шаҳардаги ҳамма эркаклар устидан
лашкарбошилар тайинлаб, уларни шаҳар дарвозаси олдидаги майдонга тўплади.
Ҳаммаларига далда бериб, шундай деди: 7 “Дадил ва ботир бўлинглар,
қўрқманглар. Оссурия шоҳи ва унинг тўдалари олдида ваҳимага тушманглар,
чунки буюк куч биз томонда, улар томонда эмас. 8 Улар томонда инсоний қудрат
бўлса, биз томонда Эгамиз Худодир. У бизга ёрдам беради, биз учун жанг қилади.”
Яҳудо шоҳи Ҳизқиёнинг сўзларидан халқ руҳланиб кетди.
9 Оссурия шоҳи Санхарив жамики лашкари билан Лахиш шаҳрини* қамал
қилган пайтда, ўз аъёнларини Қуддусга — Яҳудо шоҳи Ҳизқиё ва Қуддус аҳолиси
олдига қуйидаги хабар билан жўнатди:

10 “Оссурия шоҳи Санхарив шундай демоқда: сизлар ўзи нимангизга
ишоняпсизлар? Нимага қамалда қолган Қуддусда ҳануз ўтирибсизлар?
11 Оссурия шоҳи қўлидан Эгамиз Худо бизни қутқаради, деб Ҳизқиё
сизларни алдамасин. У сизларни очлигу ташналикдан ҳалок қилмоқчи!
12 Эгангизнинг саждагоҳларини* ва қурбонгоҳларини йўқ қилган
Ҳизқиёнинг ўзи эмасми?! У Яҳудо халқига ва Қуддусликларга: «Фақат
битта қурбонгоҳ олдида сажда қилинглар, ёлғиз ўшанинг устида
қурбонликлар келтиринглар», деб айтган экан*. 13 Наҳотки мен ва
оталарим бошқа юртларнинг халқларини нималар қилганини
билмасангиз?! Ўша халқларнинг худолари қани?! Бирортаси ўз юртини
менинг қўлимдан қутқара олдими?! 14 Менинг ота–боболарим ер юзидан
супуриб ташлаган қайси бир халқнинг худоси ўз юртини менинг қўлимдан
қутқара олибдики, Худойингиз сизни қутқара олса?! 15 Энди Ҳизқиёнинг
алдовларига учманглар, у сизларни йўлдан урмасин. Унга ишонманглар,
бирор халқнинг ёки шоҳликнинг худоси ўз халқини менинг қўлимдан ёки
оталаримнинг қўлидан қутқара олмаган. Худойингиз ким бўлибдики,
сизларни менинг қўлимдан қутқара олса.”

16 Санхаривнинг аъёнлари гапида давом этиб, Парвардигор Эгамиз ва Унинг
қули Ҳизқиёни ҳақоратладилар. 17 Шоҳ Санхарив ёзган мактубида ҳам Исроил
халқининг Худоси — Эгамизни таҳқирлаб, Уни шундай сўзлар билан масхара
қилган эди: “Бошқа юртларнинг худолари ўз халқларини менинг қўлимдан
қутқара олмагани сингари, Ҳизқиёнинг худоси ҳам ўз халқини менинг қўлимдан
қутқара олмайди.” 18 Аъёнлар бу гапларини иброний тилида девор устида турган
Қуддус халқига бақириб айтдилар. Улар Қуддусни қўлга киритиш ниятида
аҳолини ваҳимага солиб, қўрқитиб қўймоқчи эдилар. 19 Қуддус Худосини бошқа
халқларнинг худолари қаторида кўрдилар, У тўғрида худди инсон қўли билан
яратилган бутлар ҳақида гапиргандай гапирдилар.
20 Шоҳ Ҳизқиё ва Омиз ўғли Ишаё пайғамбар Худога илтижо қилиб ёрдам
сўрадилар. 21 Эгамиз фариштасини жўнатган эди, фаришта Оссурия шоҳи
қароргоҳидаги ҳамма баҳодир жангчиларни, лашкарбошиларни ва аъёнларни
қириб ташлади. Санхарив шармандаларча ўз юртига қайтиб кетди. У ўз
худосининг уйига кирганда, ўғилларининг баъзилари унга қилич уриб

ўлдирдилар.
22 Шундай қилиб, Эгамиз шоҳ Ҳизқиёни ва Қуддус аҳолисини Оссурия шоҳи
Санхаривнинг қўлидан ва бутун ғанимлари қўлидан қутқарди. Яҳудо халқига
Эгамиз ҳар тарафдан осойишталик ато қилди*. 23 Кўп одамлар Қуддусга ташриф
буюриб, Эгамизга назрлар, Яҳудо шоҳи Ҳизқиёга қимматбаҳо тортиқлар олиб
келдилар. Ўша пайтдан бошлаб ҳамма халқлар Ҳизқиёни юксак даражада ҳурмат
қиладиган бўлдилар.

Шоҳ Ҳизқиёнинг хасталиги

24 Ўша кунлари Ҳизқиё тузалмас хасталикка йўлиқиб, ўлим тўшагига ётиб
қолди. У Эгамизга ибодат қилган эди, Эгамиз унга жавоб бериб, хасталигидан
тузалишини тасдиқлайдиган бир аломат кўрсатди. 25 Аммо Ҳизқиё ношукурчилик
қилиб, ўзини мағрур тутгани учун ўз бошига ҳамда Яҳудо ва Қуддус устига
Эгамизнинг ғазабини келтирди. 26 Ниҳоят, Ҳизқиё ва Қуддус аҳолиси юрагидаги
мағрурлигидан тавба қилди. Шу сабабдан Эгамиз шоҳ Ҳизқиё даврида халққа
ғазабини сочмади.

Шоҳ Ҳизқиёнинг бойлиги ва ҳашамати

27 Ҳизқиё бой–бадавлат бўлиб, юксак обрўга эришди. У ўзининг кумушлари,
олтин, қимматбаҳо тошлари, зираворлари, қалқонлари ва ҳамма қимматли
буюмлари учун хазиналар қурдирди. 28 Буғдой, шароб ва зайтун мойлари учун
омборхоналар, барча турдаги моллари учун оғилхоналар, қўйлари учун қўтонлар
қурдирди. 29 Кўплаб шаҳарлар бунёд этиб, пода ва сурувларини кўпайтирди,
чунки Худо унга беҳад бойлик берган эди. 30 Ҳизқиё Гихўн булоғининг юқори
қисмини беркитиб, қаздирган қувур орқали сувни Қуддус ичига олиб кирди*. У
ҳамма ишларида муваффақиятга эришди. 31 Бироқ Бобил шаҳзодалари Яҳудо
юртида юз берган мўъжизали аломат тўғрисида сўраш учун ўз элчиларини
Ҳизқиё ҳузурига жўнатганларида*, Худо Ҳизқиёни ўз ҳолига қўйиб қўйганди.
Худо Ҳизқиёни синаб, унинг дилидаги асл ниятларини билмоқчи эди.
32 Ҳизқиёнинг бошқа ишлари, қилган яхшиликлари “Яҳудо ва Исроил шоҳлари
китоби”даги “Омиз ўғли Ишаё пайғамбарнинг ваҳийси”да ёзилган. 33 Ҳизқиё
оламдан ўтиб, Довуд насли хилхонасининг тўрига дафн қилинди*. Ҳизқиё вафот
этганда, бутун Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолиси унга иззат–ҳурмат кўрсатди. Унинг
ўрнига ўғли Манаше шоҳ бўлди.

33–БОБ

Яҳудо шоҳи Манаше

1 Манаше ўн икки ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда эллик беш йил ҳукмронлик
қилди. 2 У Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди. Эгамиз Ўз халқи Исроилнинг
олдидан қувиб юборган халқларнинг жирканч одатларига эргашди. 3 Отаси
Ҳизқиё бузиб ташлаган саждагоҳларни* қайтадан барпо этди, Баалга атаб
қурбонгоҳлар қурди, Ашерага* атаб устунлар ўрнатди. Барча самовий жисмларга
сажда этиб хизмат қилди. 4 Манаше Эгамизнинг то абад улуғланиши керак бўлган
уйида бегона худоларга атаб, қурбонгоҳлар қурди. 5 Эгамиз уйининг иккала
ҳовлисида ҳам жамики самовий жисмларга сажда қилиш учун қурбонгоҳлар
барпо қилдирди. 6 Ўғилларини Хиннум сойлигида* қурбонлик қилиб, оловда
куйдирди*, фоллар очтирди, таъбирчиларга эътиқод қилди, сеҳр–жоду билан
шуғулланди, арвоҳ чақирувчиларга маслаҳат солди. Эгамиз олдида кўп қабиҳ
ишлар қилиб, Уни ғазаблантирди. 7 Ўзи ясаттирган бутни Худонинг уйига

ўрнатди. Худо бу уй тўғрисида Довуд билан унинг ўғли Сулаймонга шундай деган эди*: “Мен бу уйни ва Қуддусни Исроил қавмлари яшайдиган масканлар орасидан танлаб олганман. Мен то абад ўша ерда улуғланаман. 8 Улар амрларимни битта қолдирмай бажарсалар, қулим Мусо орқали берган қонун–қоида ва талабларимга риоя қилсалар, Исроил халқининг ота–боболарига Мен берган ердан ҳайдалишларига йўл қўймайман.” 9 Манаше Яҳудо халқини ва Қуддус аҳлини шу қадар йўлдан оздирдики, улар Канъон юртидан Эгамиз йўқотиб юборган халқлардан ҳам кўра, кўпроқ қабиҳ ишлар қилдилар.

Шоҳ Манаше тавба қилади

10 Эгамиз шоҳ Манашени ва унинг халқини огоҳлантирди, лекин улар қулоқ солмадилар. 11 Шунинг учун Эгамиз уларга қарши Оссурия лашкарбошиларини жўнатди. Улар Манашени асирга олдилар, бурнидан ҳалқа ўтказиб, уни занжирбанд қилдилар ва Бобилга олиб келдилар. 12 У кулфатда қолгач, Эгаси Худодан шафқат сўраб илтижо қилди, ота–боболарининг Худосига бўйин эгди. 13 Илтижо қилганда, Худо Манашенинг илтижосини қабул қилди, уни яна Қуддусга — ўз шоҳлигига қайтарди. Шунда Манаше, Эгамиз ҳақиқатан ҳам Худо эканлигини билди.

14 Шундан кейин Манаше Довуд қалъасининг шарқ томонидаги ташқи деворини тузатиб, уни баланд қилиб кўтартирди. Бу девор Қидрон сойлигидаги Гихўн булоғидан то шимолдаги Балиқ дарвозасигача ва шаҳардаги Офел тепалигининг* атрофи бўйлаб қурилган эди. Манаше Яҳудонинг ҳамма мустаҳкам шаҳарларига лашкарбошилар тайинлади. 15 Эгамизнинг уйидан бегона худоларнинг тасвирларини ва ўзи ўрнатган бутни олиб ташлади, Эгамизнинг уйи турган тоғда ва Қуддуснинг бошқа жойларида ўзи қурдирган қурбонгоҳларни буздириб, шаҳар ташқарисига чиқартирди. 16 Сўнг Эгамизнинг қурбонгоҳини қайтадан қурдириб, қурбонгоҳ устида тинчлик қурбонликлари ва шукрона қурбонликларини атади. Яҳудо халқига: “Исроил халқининг Худоси — Эгамизга сажда қилинглар”, деб фармон берди. 17 Халқ бошқа саждагоҳларда қурбонлик қилишда давом этди. Аммо қилган барча қурбонликларини улар Эгаси Худога атар эдилар.

Манаше ҳукмронлигининг сўнгги даврлари

18 Манашенинг бошқа ишлари, Худога қилган ибодати, Исроил халқининг Худоси — Эгамиз номидан валийлар унга берган хабарлар “Исроил шоҳлари тарихи” китобида ёзилган. 19 Унинг илтижоси ва Худонинг берган жавоби, тавба қилмасдан олдин қилган ҳамма гуноҳлари ва Худога қилган хиёнати, қурдирган саждагоҳлари, сиғинган бутлари ва Ашеранинг устунлари тўғрисида валийлар китобида* ёзилган. 20 Манаше оламдан ўтиб, ўз уйида дафн қилинди. Ўрнига ўғли Омон шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Омон

21 Омон шоҳ бўлганда, йигирма икки ёшда эди. У Қуддусда икки йил ҳукмронлик қилди. 22 Омон ҳам, отаси Манаше каби, Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилди. Отаси Манаше ясаттирган ҳамма бутларга қурбонлик қилиб, хизмат этди. 23 Отаси Манаше Эгамизга бўйин эгган бўлса, Омон Эгамизга бўйин эгмади, отасидан ҳам кўпроқ гуноҳ орттирди.

24 Омоннинг аъёнлари фитна уюштириб, уни ўз саройида ўлдирдилар. 25 Яҳудо халқи ўз шоҳи Омонга фитна уюштирганларнинг ҳаммасини ўлдириб, ўрнига ўғли Йўшиёни шоҳ қилиб кўтарди.

34–БОБ

Яҳудо шоҳи Йўшиё

1 Йўшиё саккиз ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўттиз бир йил ҳукмронлик қилди.
2 У Эгамиз олдида тўғри ишлар қилди. Ўнгга ҳам, чапга ҳам оғмасдан, бобоси
Довуднинг йўлидан юрди. 3 Ҳукмронлигининг саккизинчи йилида, ёшлигидан
бобоси Довуднинг Худосига интила бошлади. Ҳукмронлигининг ўн иккинчи
йилида эса Яҳудо ва Қуддусни саждагоҳлардан*, Ашеранинг* устунларидан, ўйма
ва қуйма бутлардан тозалай бошлади. 4 Унинг кўрсатмаси билан Баалнинг
қурбонгоҳлари буздирилди, бу қурбонгоҳларнинг ёнидаги тутатқи
қурбонгоҳлари ҳам синдириб ташланди. Ашеранинг устунлари, шунингдек, ўйма
ва қуйма бутлар парчаланиб, бўлаклари ўша бутларга қурбонлик қилганларнинг
қабрлари устига сочиб ташланди. 5 Йўшиё бутпараст руҳонийларнинг суякларини
ўзлари сажда қилган қурбонгоҳлар устида ёқди. Шундай қилиб, у Яҳудо ва
Қуддусни поклади. 6 Шимолдаги Нафтали ҳудудигача бўлган Манаше, Эфрайим ва
Шимўн шаҳарларидаги ва уларнинг атрофида бўлган вайроналардаги
7 қурбонгоҳларни синдирди, Ашерага аталган устунларни кесди, бутларни
парчалаб ташлади. Исроил юрти бўйлаб ҳамма тутатқи қурбонгоҳларини бузди.
Шундан кейин Қуддусга қайтиб кетди.

Қонун китоби топилади

8 Йўшиё юртни ва Эгамизнинг уйини поклагандан кейин, ҳукмронлигининг ўн
саккизинчи йилида Озалиё ўғли Шофонни, Қуддус ҳокими Масиёни ва мушовир
Йўхоз ўғли Йўхни Эгаси Худонинг уйини тузатишга юборди. 9 Улар олий руҳоний
Хилқиёнинг олдига келиб, Худонинг уйига келтирилган кумушни унга
топширдилар. Леви дарвозабонлари бу кумушни Манаше, Эфрайим ва Исроил
халқининг омон қолганларидан, шунингдек, Яҳудо, Бенямин қабилаларидан ва
Қуддус аҳолисидан тўплаб олган эдилар. 10 Улар кумушни Эгамизнинг уйида
меҳнат қилаётган ишбошиларга топширдилар. Ишбошилар эса кумушни олиб,
Эгамизнинг уйидаги бузилган жойларни таъмирлаётган усталарга тўладилар.
11 Қолганини эса дурадгор ва бинокорларга бердилар. Улар бу кумушга Яҳудо
шоҳлари қаровсиз қолдирган хароб биноларни тузатиш учун тош ва ёғочларни
сотиб олдилар.

12 Ишчилар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Уларга назоратчи қилиб Марори
наслидан левилар Яхат ва Ободиё тайинланди, Қоҳот уруғидан эса левилар
Закариё ва Машуллом тайинланди. Мусиқа асбобларини чаладиган ҳамма
левилар 13 юк ташувчиларга ҳамда турли хизматдаги ишчиларга масъул эдилар.
Левиларнинг баъзилари эса котиб, маъмур ва дарвозабон эдилар.

14 Эгамизнинг уйидаги кумуш олиб чиқилаётганда, руҳоний Хилқиё
Эгамизнинг Мусо орқали берган Таврот китобини топиб олди. 15 У котиб
Шофонга:

— Эгамизнинг уйидан Таврот китобини топиб олдим, — деб китобни
Шофонга берди. 16 Шофон эса китобни шоҳга олиб бориб, ҳисобот берди:
“Қулларингиз топширилган ҳамма ишларни бажаряптилар. 17 Улар Эгамизнинг
уйидаги бор кумушни ўша ердаги ишбошиларга ва ишчиларга бердилар.” 18 Сўнг:
“Руҳоний Хилқиё мана бу китобни менга берди”, — дея қўшимча қилгач, Таврот
китобини шоҳга овоз чиқариб ўқиб берди.

19 Шоҳ Таврот сўзларини эшитгач, ваҳимага тушганидан кийимларини
йиртди. 20 Кейин руҳоний Хилқиёга, Шофон ўғли Охихамга, Михиё* ўғли Ахборга*,
котиб Шофонга ва ўзининг мулозими Осоёҳга шундай фармон берди:

21 — Боринглар, топилган бу китобдаги сўзларга мувофиқ, мен тўғримда ҳам,
Исроил ва Яҳудо халқларининг омон қолганлари тўғрисида ҳам Эгамизнинг
хоҳиш–иродасини сўранглар. Оталаримиз бу китобдаги сўзларга қулоқ
солмаганлари учун, Эгамизнинг амрларига риоя қилмаганлари учун Эгамизнинг
даҳшатли ғазаби бизнинг устимизга ёғилди.
22 Руҳоний Хилқиё ва шоҳ жўнатган одамлар Хулда исмли пайғамбар аёл
ҳузурига бориб, унга маслаҳат солдилар. Хулда пайғамбар Эгамизнинг уйидаги
муқаддас либослар посбони Шаллумнинг хотини эди. Шаллум Тихвонинг* ўғли,
Хархаснинг* набираси эди. Хулда Қуддуснинг янги даҳасида яшарди. 23 Хулда
уларга шундай деди:

"Исроил халқининг Худоси — Эгамиз демоқда: сизларни Менинг
ҳузуримга юборган одамга шу гапларимни айтинглар: 24 «Мен бу юртга
ҳам, бу юртда яшаётган халққа ҳам фалокат келтираман. Яҳудо шоҳи
ҳузурида ўқилган китобдаги ҳамма лаънатларни уларга ёғдираман. 25 Улар
Мендан юз ўгирганлари учун, бошқа худоларга қурбонликлар келтириб, ўз
қўллари билан ясаган бутлари туфайли* қаҳримни келтирганлари учун бу
юртга ғазабим ёғилади ва асло босилмайди.»
26 Эгамизнинг хоҳиш–иродасини билиш учун сизларни юборган Яҳудо
шоҳига шу хабарни беринглар: Исроил халқининг Худоси — Эгамиз сен
эшитган сўзларинг тўғрисида шуни айтмоқда: 27 «Сен бу юртга ва юртнинг
халқига қарши айтган сўзларимни эшитганингдан кейин, юрагинг
юмшади, Менга бўйин эгдинг. Сен Менга бўйин эгганинг учун, қайғудан
либосларингни йиртиб, ҳузуримда йиғлаганинг учун Мен илтижоларингни
эшитдим. 28 Шунга кўра, сен ота–боболаринг ёнига хотиржам кетасан, ўз
қабрингга дафн этиласан. Бу юртга ва унинг аҳлига Мен келтирадиган
жамики фалокатларни сен кўрмайсан.»"

Хилқиё ва унинг ҳамроҳлари бу хабарни шоҳга етказдилар.

Шоҳ Йўшиёнинг аҳди

29 Шоҳ Йўшиё хабар бериб, Яҳудо ва Қуддуснинг ҳамма оқсоқолларини ўз
ҳузурига тўплади. 30 Жамики Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолиси, руҳонийлар,
левилар, зодагонлару авом халқ шоҳ бошчилигида Эгамизнинг уйига борди. Шоҳ
Эгамизнинг уйидан топилган Таврот китобини* бошидан охиригача уларнинг
олдида ўқиди. 31 Шоҳ Эгамизнинг уйи эшиги олдидаги ўз жойида туриб: "Эгамиз
кўрсатган йўлдан юраман, амрларига итоат этаман, шартларига, фармонларига
бутун қалбим билан, жону дилим билан қулоқ соламан, бу китобда ёзилган аҳд
сўзларини адо этаман", деб Эгамиз билан қайта аҳд қилди. 32 Сўнгра у Бенямин
қабиласига ва Қуддусдаги ҳамма одамларга бу аҳдга риоя қилиш тўғрисида
фармон берди. Ўша кундан бошлаб Қуддус аҳолиси ота–боболарининг Худоси
билан қилган аҳд талабларини бажара бошладилар. 33 Йўшиё Исроил халқига
қарашли ҳамма ҳудудлардан макруҳ бутларни йўқотди. Исроил халқининг
ҳаммасини Эгаси Худога сажда қилдирди. Унинг даврида халқ ота–боболарининг
Худоси — Эгамиздан юз ўгирмай, Унга хизмат қилди.

35–БОБ

Шоҳ Йўшиё Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрамини нишонлайди

1 Шоҳ Йўшиё Қуддусда Эгамизнинг шарафига Фисиҳ зиёфатини* нишонлади.

Биринчи ойнинг* ўн тўртинчи куни Фисиҳ қўзилари қурбонлик қилинди. [2] Йўшиё руҳонийларни хизматга тайинлаб, Эгамизнинг уйидаги хизматга уларни рағбатлантирди. [3] Сўнг Эгамизга бағишланган ва халққа таълим берган левиларга деди:

— Муқаддас Сандиқни Исроил шоҳи Довуд ўғли Сулаймон қурган Эгамизнинг уйига олиб киринглар. Сандиқни бундан буён елкангизда кўтариб юришга ҳожат йўқ. Энди Эгангиз Худога ва Унинг халқи Исроилга хизмат қилинглар. [4] Шоҳ Довуднинг ва ўғли Сулаймоннинг ёзиб қолдирган кўрсатмаларига мувофиқ*, хонадонингиз ва гуруҳларингиз бўйича хизматга тайёрланинглар. [5] Муқаддас масканга шундай тартибда жойлашингларки, Исроил халқининг бирорта хонадони эътиборингиздан четда қолиб кетмасин. [6] Фисиҳ қўзисини сўйиб, ўзингизни покланглар. Сўнг юртдошларингиз учун Фисиҳ қўзиларини тайёрлаб беринглар. Хуллас, Эгамизнинг Мусо орқали берган кўрсатмаларига риоя қилинглар.

[7] Шоҳ Йўшиё бу ерда ҳозир бўлган халққа Фисиҳ қурбонликлари учун 30.000 та қўзи ва улоқчани, 3000 та буқани берди. Буларнинг ҳаммаси шоҳнинг шахсий мулкидан эди. [8] Шоҳнинг аъёнлари ҳам халққа, руҳоний ва левиларга қурбонликлар учун кўнгилдан чиқариб ҳайвонларни бердилар. Худонинг уйида хизмат қилувчиларнинг бошлиқлари Хилқиё, Закариё ва Ёхиёл руҳонийларга Фисиҳ қурбонликлари учун 2600 та қўзи билан улоқча ва 300 та буқа бердилар. [9] Хонаниё, унинг укалари Шамаё ва Натанил, левиларнинг йўлбошчилари Хашавиё, Явиёл ва Йўзабад Фисиҳ қурбонликлари учун левиларга 5000 та қўзи билан улоқча ва 500 та буқа бердилар.

[10] Фисиҳ маросимига оид тайёргарликлар тугагач, руҳонийлар билан левилар шоҳнинг буйруғига биноан ўз жойларини эгалладилар. [11] Левилар Фисиҳ қўзиларини бўғизлаб, қонини руҳонийларга бердилар. Руҳонийлар қонни қурбонгоҳга сепдилар. Левилар эса қўзиларнинг терисини шилишга киришдилар. [12] Улар сўйилган қўзи, улоқча ва буқаларнинг қурбонгоҳда куйдириладиган қисмларини ажратиб қўйдилар. Сўнг буларни одамларга хонадонлари бўйича тақсимлаб бердилар. Токи ҳар бир хонадон ўзига тегишли қурбонлигини Эгамизга бағишлаб, Мусонинг қонунидаги кўрсатмаларга биноан келтирсин. [13] Левилар қонун–қоидага мувофиқ, Фисиҳ қўзиларини оловда пиширдилар, муқаддас қурбонликлар гўштини эса тоғораларда, қозонларда ва товаларда қайнатдилар. Гўшт тайёр бўлгач, уни дарров халқнинг олдига дастурхонга тортдилар. [14] Шундан сўнггина левилар ўзлари учун ва руҳонийлар учун Фисиҳ таомини тайёрлашга киришдилар. Негаки, Ҳорун наслидан бўлган руҳонийларнинг қўли кечгача бўшамади, улар куйдириладиган қурбонликларни ва ёғларни куйдириш билан овора эдилар. [15] Осиф наслидан бўлган қўшиқчилар шоҳ Довуднинг, Осиф, Хаман ва шоҳнинг валийси Ёдутуннинг кўрсатмасига биноан ўз жойларида турдилар. Маъбад дарвозабонлари ҳам ўз жойларидан силжимадилар. Леви биродарлари уларга Фисиҳ таомини тайёрлаганлари учун хизматларини тўхтатишга зарурат бўлмади.

[16] Шундай қилиб, ўша куни шоҳ Йўшиёнинг фармонига кўра, Эгамизга бағишланган ҳамма хизматлар бажарилди. Фисиҳ зиёфати нишонланиб, Эгамизнинг қурбонгоҳида куйдириладиган қурбонликлар келтирилди. [17] Исроил халқи Фисиҳ зиёфатини ва етти кун давомида Хамиртурушсиз нон байрамини нишонлади. [18] Шомуил пайғамбар давридан буён Исроилда Фисиҳ зиёфати бу сингари нишонланмаган эди. Исроил шоҳларидан бирортаси, Йўшиё сингари Фисиҳ зиёфатини руҳонийлар, левилар, жамики Яҳудо ва Исроил халқи ҳамда

Қуддус аҳолиси иштирокида нишонламаган эди. 19 Бу Фисиҳ зиёфати шоҳ Йўшиё
ҳукмронлигининг ўн саккизинчи йилида нишонланди.

Йўшиё ҳукмронлигининг сўнгги даври

20 Бу воқеалардан сўнг, Йўшиё Маъбадни тартибга солиб бўлгач, Миср шоҳи
Нехо жанг қилгани Фурот дарёси бўйидаги Кархамиш шаҳрига лашкарини
бошлаб келди. Йўшиё унга қарши отланди*. 21 Лекин Нехо Йўшиёга элчилар
орқали шундай хабар юборди:

> “Эй Яҳудо шоҳи! Сен бу жангга аралашма! Мен сенга эмас, ўз
> душманларимга қарши урушга отландим. Худо менга, шошил, деб амр
> берди. Худо мен томонда, Унга қаршилик кўрсатишни бас қил, акс ҳолда,
> нобуд бўласан.”

22 Аммо Йўшиё жанг қилишдан қайтмади. Худонинг Нехо орқали айтган
сўзларига қулоқ солмади. Шоҳона кийимларини ўзгартириб, Магидў*
текислигида жангга кирди. 23 Жанг пайтида Миср камонкашлари шоҳ Йўшиёга ўқ
отдилар. Шунда шоҳ аъёнларига: “Мени бу ердан олиб чиқинглар, оғир
яраландим”, деди. 24 Аъёнлар Йўшиёни жанг аравасидан олиб, бошқа жанг
аравасига солдилар–да, Қуддусга олиб келдилар. Йўшиё шу ерда вафот этди. У
ота–боболарининг хилхонасига дафн қилинди. Бутун Яҳудо ва Қуддус аҳолиси
Йўшиё учун аза тутди. 25 Еремиё пайғамбар шоҳ Йўшиёга атаб марсия айтди. Шу
кунга қадар* эркак ва аёл қўшиқчилар Йўшиёни хотирлаганларида шу марсияни
айтишади, бу Исроилда одат бўлиб қолди. Бу марсия қўшиғи “Марсиялар
тўплами”га киритилган.
26 Йўшиёнинг бошқа ишлари, Эгамизга содиқлиги, Унинг қонунига биноан
олиб борган фаолияти, 27 ҳаётидаги барча воқеалар, бошдан охиригача “Исроил ва
Яҳудо шоҳлари китоби”да ёзилган.

36–БОБ

Яҳудо шоҳи Ёҳухоз

1 Яҳудо халқи Йўшиёнинг ўғли Ёҳухозни отасининг ўрнига шоҳ қилиб кўтарди.
2 Ёҳухоз йигирма уч ёшида тахтга ўтириб, Қуддусда уч ой шоҳлик қилди. 3 Сўнгра
Миср шоҳи Нехо уни Қуддус тахтидан тушириб, юрт халқидан 200 пуд* кумуш ва
2 пуд* олтин ўлпон талаб қилди. 4 Миср шоҳи Ёҳухознинг укаси Элияқимни Яҳудо
ва Қуддусга шоҳ қилиб тайинлади. Унинг исмини ўзгартириб Ёҳайиқим қўйди.
Акаси Ёҳухозни эса Мисрга олиб кетди.

Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим

5 Ёҳайиқим йигирма беш ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўн бир йил ҳукмронлик
қилди. У Эгаси Худонинг олдида қабиҳ ишлар қилди. 6 Бобил шоҳи Навухадназар*
Яҳудога ҳужум қилди. У Ёҳайиқимни Бобилга олиб кетиш ниятида занжирбанд
қилди*. 7 Эгамизнинг уйидаги бир қанча идишларни Бобилга олиб кетиб, уларни
Бобилдаги саройига* қўйди.
8 Ёҳайиқимнинг бошқа ишлари, унинг қилган жирканч қилмишлари, ҳамма
камчиликлари “Исроил ва Яҳудо шоҳлари китоби”да ёзилган. Унинг ўрнига ўғли
Ёҳайихин шоҳ бўлди.

Яҳудо шоҳи Ёҳайихин

9 Ёҳайихин ўн саккиз* ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда уч ой ва ўн кун ҳукмронлик

қилди. У Эгамизнинг олдида қабиҳ ишлар қилди. 10 Ўша йили баҳорда шоҳ
Навухадназар Ёҳайихинни ҳибсга олиб, Бобилга олиб кетди. У билан бирга
Эгамизнинг уйидаги қимматбаҳо идишларни ҳам олиб кетди. Ёҳайихиннинг
ўрнига амакиси* Зидқиёни Яҳудо ва Қуддус устидан шоҳ қилиб тайинлади.

Яҳудо шоҳи Зидқиё

11 Зидқиё йигирма бир ёшида шоҳ бўлиб, Қуддусда ўн бир йил ҳукмронлик
қилди. 12 У Эгаси Худонинг олдида қабиҳ ишлар қилди. Эгамизнинг сўзларини аён
қилган Еремиё пайғамбарга бўйин эгмади.

Қуддус қулайди

13 Шоҳ Навухадназар Зидқиёга Худонинг номи билан садоқат онтини ичдирган
бўлса ҳам, Зидқиё Навухадназарга қарши исён кўтарди. У қайсарлик қилиб,
Исроил халқининг Худосига — Эгамизга тавба қилишдан бош тортди. 14 Бош
руҳонийларнинг ҳаммаси омма қаторида ўзга халқларнинг жирканч одатларига
тақлид қилиб, Худога ўта бевафо бўлдилар. Шу йўсин, улар Эгамизнинг Ўзи
муқаддас қилган Қуддусдаги уйни булғадилар. 15 Ота–боболарининг Худоси —
Эгамиз Ўз халқи ва масканига раҳм қилиб, уларнинг олдига қайта–қайта
пайғамбарларини жўнатди. 16 Лекин улар Худонинг элчиларини ҳақорат қилиб,
Худонинг сўзларидан нафратландилар, пайғамбарларни масхара қилдилар. Охири
Эгамиз Ўз халқидан шу қадар ғазабландики, улар нажотсиз қолдилар.
17 Эгамиз уларга қарши Бобил* шоҳини тортиб келди. Бобил шоҳи Маъбадда
уларнинг ёшларини қиличдан ўтказди, на ёш эркакка, на аёлга, на кексага, на
хастага шафқат қилди. Худо Яҳудо халқининг ҳаммасини Бобил шоҳининг қўлига
берган эди. 18 Бобил шоҳи Худонинг уйидаги каттаю кичик буюмларни, жамики
хазинани, шоҳ ва унинг аъёнлари хазиналарини, хуллас, ҳамма нарсани Бобилга
олиб кетди. 19 Худонинг уйига эса ўт қўйди, Қуддус деворини бузиб ташлади,
барча ҳашаматли биноларни ёндирди, Қуддусдаги ҳамма қимматбаҳо ашёларни
йўқ қилиб ташлади. 20 Қиличдан омон қолганларини эса Бобилга сургун қилди.
Форс шоҳлиги қарор топгунга қадар Яҳудо халқи Бобил шоҳига ва унинг
авлодларига қул бўлиб қолди. 21 Юрт бўм–бўш чўлга айланди. Ерга дам
берилмаган йилларнинг* сони тўлгунча, етмиш йил давомида ташландиқ бўлиб
ётди. Шундай қилиб, Эгамизнинг Еремиё пайғамбар орқали айтган сўзлари*
амалга ошди.

Шоҳ Куруш Яҳудо халқига озодлик беради

22 Форс шоҳи Куруш ҳукмронлигининг биринчи йилида* Эгамизнинг Еремиё
орқали билдирган сўзлари* бажо бўлиши учун, Эгамиз шоҳ Курушнинг юрагига
Қуддусдаги Маъбадни қайта қуриш истагини солди. Шундай қилиб, Куруш ўз
шоҳлигининг ҳамма томонига хабарчилар жўнатди ва ёзма фармонда
қуйидагиларни эълон қилди:

> 23 “Форс шоҳи Куруш шундай демоқда: Самовий Худо — Эгамиз ер
> юзидаги жамики шоҳликларни менга берган. У Яҳудо юртидаги Қуддусда
> Ўзига бир уй қуришни менга топширди. Худонинг халқидан бўлган ҳар бир
> кимса Қуддусга борсин, Эгаси Худо унга ёр бўлсин.”

ИЗОҲЛАР

Форс шоҳи Куруш — Кир исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 539-530 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

1:3 *Гивондаги саждагоҳ* — Қуддусдан қарийб 6 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

1:3 *Учрашув чодири* — Муқаддас чодирнинг яна бир номи.

1:4 *Худонинг Аҳд сандиғи…Қуддусга олиб келинган эди…* — 1 Солномалар 13:5-14, 15:25-16:1 га қаранг.

1:14 *от* — бу ўриндаги ибронийча сўз *аравакаш* маъносини ҳам ифодалаши мумкин.

1:15 *шикамора–анжир дарахти* — анжирнинг қадимги Яқин Шарқда кенг тарқалган бир тури. Катталиги ёнғоқ дарахтидай, барглари эса тут баргларига ўхшаш бўлиб, йил давомида бир неча бор ҳосил берадиган серсоя дарахт.

1:16 *Миср* — ёки Қувега ёндош бўлган *Музур* номли ҳудуд бўлиши мумкин (шу бобнинг 17–оятида ҳам бор). Музур ва Қуве ҳудудлари ҳозирги Туркиянинг жануби–ғарбида жойлашган бўлиб, шоҳ Сулаймон даврида йилқичилик маркази эди.

1:17 *600 кумуш танга* — ибронийча матнда *600 шақал кумуш*, тахминан 7 килога тўғри келади.

1:17 *150 кумуш танга* — ибронийча матнда *150 шақал кумуш*, тахминан 1,7 килога тўғри келади.

2:3 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

2:10 *200.000 тоғора* — ибронийча матнда *20.000 кор*, тахминан 4400 тоннага тўғри келади.

2:10 *40.000 кўза* — ибронийча матнда *20.000 бат*, тахминан 440.000 литрга тўғри келади.

2:16 *Яффа* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бўлиб, Қуддус учун бандаргоҳ вазифасини ўтаган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

3:1 *Аравно* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ўрнан*. Унинг Аравно деган шакли 2 Шоҳлар 24:16 дан олинган.

3:2 *Сулаймон ҳукмронлигининг тўртинчи йили иккинчи ойи* — тахминан милоддан олдинги 960 йилнинг иккинчи ойи. Иброний календарининг Зив ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан апрелнинг ўртасидан бошланади.

3:3 *тирсак* — бир тирсак тахминан 45 сантиметрга тўғри келади.

3:4 *20 тирсак* — қадимий сурёнийча таржимадан, қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *120 тирсак*.

3:7 *карублар* — қанотли самовий мавжудотлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

3:8 *1300 пуд* — ибронийча матнда *600 талант*, тахминан 21 тоннага тўғри келади.

3:9 *125 мисқол* — ибронийча матнда *50 шақал*, тахминан 550 граммга тўғри келади.

3:14 *ички парда* — Муқаддас хонани Энг муқаддас хонадан ажратиб турар эди (Чиқиш 26:31-33 га қаранг).

3:15 *18 тирсак* — қадимий сурёнийча таржимадан (яна 3 Шоҳлар 7:15, 4 Шоҳлар 25:17, Еремиё 52:21 га қаранг). Ибронийча матнда *35 тирсак*, иккала устуннинг умумий баландлиги назарда тутилган бўлиши мумкин.

3:16 *анор* — қадимги пайтларда ҳаёт рамзи эди.

3:17 *Ёхин* — бу ном ибронийчадаги *У* (яъни Худо) *асос солган* иборасига оҳангдош.

3:17 *Бўаз* — бу ном ибронийчадаги *Унинг* (яъни Худонинг) *кучи воситасида* иборасига оҳангдош.

4:1 *тирсак* — бир тирсак тахминан 45 сантиметрга тўғри келади.

4:5 *6000 кўза* — ибронийча матнда *3000 бат*, тахминан 66.000 литрга тўғри келади.

4:13 *анор* — қадимги пайтларда ҳаёт рамзи эди.

4:17 *Зоратон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Заридо*. Унинг Зоратон деган шакли 3 Шоҳлар 7:46 дан олинган.

4:19 *муқаддас нонлар* — бу нонлар Маъбадда Эгамизнинг ҳузурини акс эттирувчи тимсол бўлиб, Худо Исроил халқининг қудрати ва таъминловчиси эканлигидан дарак бериб турган. Нонлар Маъбаддаги махсус хонтахтага қўйилиб, ҳар Шаббат куни янги пиширилган нонлар билан алмаштириб турилган (Левилар 24:5-9 га қаранг).

5:2 *...Довуд қалъасидан...* — 1 Солномалар 15:25-16:1 га қаранг.

5:3 *еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

5:3 *Чайла байрами* — бу байрам кузда йиғим–терим тугаган пайтга тўғри келади.

5:5 *Учрашув чодири* — Муқаддас чодирнинг яна бир номи. Ўша даврда Учрашув чодири Қуддусдан қарийб 6 километр шимоли–ғарбда — Гивонда жойлашган эди (1:3 га қаранг). Аҳд сандиғи эса Қуддус шаҳрида, Довуд томонидан ўрнатилган махсус чодирда сақланар эди (1:4 га қаранг).

5:9 *...бугунгача...* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

5:10 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

6:5 *Эгамиз отамга шундай деган эди...* — 1 Солномалар 17:1-14 га қаранг.

6:13 *...узунлиги беш тирсак, эни ҳам беш тирсак, баландлиги уч тирсак...* — узунлиги ва эни тахминан 2,3 метрга, баландлиги тахминан 1,4 метрга тўғри келади.

6:28 *гармсел* — ҳосилга катта зиён келтирадиган иссиқ шамол.

6:28 *чигиртка* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

7:8 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

7:8 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна Ибтидо 15:18, Саҳрода 34:5 ва Ёшуа 13:3, 15:4, 47 га қаранг).

7:8 *Чайла байрами* — 5:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

7:9 *Чайла байрамидан кейин…* — ибронийча матнда *Саккизинчи кунида…*, Чайла байрамининг еттинчи кунидан кейинги биринчи кун.

7:10 *Еттинчи ой* — 5:3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:13 *чигирткалар* — 6:28 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

7:18 *унга…айтган гапларим* — 2 Шоҳлар 7:12-16 га қаранг.

8:3 *Хомат–Зўво* — ёки *Хомат ва Зўво* (1 Солномалар 18:9-10 га қаранг), бу юртлар Дамашқдан шимолда жойлашган эди.

8:6 *отлиқлар* — бу ўриндаги ибронийча сўз *отлар* маъносини ҳам ифодалаши мумкин.

8:8 *…бугунгача…* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

8:13 *Ҳосил байрами* — ибронийча матнда *Ҳафталар байрами*, Ҳосил байрамининг яна бир номи.

8:17 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *денгиз*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади.

8:18 *Офир юрти* — Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган бўлиши мумкин. Офир олтини энг сифатли олтин ҳисобланган.

8:18 *960 пуд* — ибронийча матнда *450 талант*, тахминан 15 тоннага тўғри келади.

9:1 *Шава* — бу юрт Арабистон ярим оролининг жануби–ғарб томонида бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

9:4 *соқий* — шоҳга ўз қўли билан шароб қуядиган, саройда юқори мартабага эга бўлган, ишончга лойиқ аъён. Шунингдек, у шоҳ учун шароб танлаши ва уни татиб кўриб, заҳарли эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак эди.

9:4 *баковул* — саройда шоҳ учун тайёрланадиган махсус таомни татиб кўрувчи ва овқат тайёрлаш ишларини назорат қилувчи мансабдор шахс.

9:4 *Эгамизнинг уйида шоҳ Сулаймон қуйдириб, назр қилган қурбонликлар* — қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан (яна 3 Шоҳлар 10:5 га қаранг).

9:9 *250 пуд* — ибронийча матнда *120 талант*, тахминан 4 тоннага тўғри келади.

9:13 *1425 пуд* — ибронийча матнда *666 талант*, тахминан 23 тоннага тўғри келади.

9:15 *ярим пуд* — ибронийча матнда *олти юз шақал*, тахминан 8,5 килога тўғри келади.

9:16 *400 мисқол олтин* — ибронийча матнда *300…олтин* деб ёзилган бўлиб, ўлчов бирлиги берилмаган. 300 биқо (яъни ярим шақал) олтин назарда тутилган бўлиши мумкин, тахминан 1,7 килога тўғри келади (3 Шоҳлар 10:17 га қаранг).

9:16 *“Лубнон ўрмони” деган уйи* — 3 Шоҳлар 7:2 га ва ўша оятнинг биринчи

изоҳига қаранг.

9:21 *савдо кемалари* — ибронийча матнда *Таршиш кемалари*, улкан савдо кемалари айнан шу ном билан аталарди. Таршиш ҳозирги Испаниянинг ҳудудида жойлашган бандаргоҳ шаҳар бўлиб, ўзининг катта савдо кемалари билан машҳур эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

9:21 *турли–туман маймунлар* — ёки *маймунлар ва товуслар*.

9:25 *учқур от* — бу ўриндаги ибронийча сўз *отлиқ* маъносини ҳам ифодалаши мумкин.

9:27 *шикамора–анжир дарахти* — 1:15 изоҳига қаранг.

9:28 *Миср* — ёки *Музур* (1:16 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

10:1 *Шакам шаҳри* — шимолдаги қабилаларга қарашли асосий шаҳар (Ёшуа 24:1 га қаранг). Бу шаҳар Қуддусдан қарийб 50 километр шимолда, Исроил тепаликларида жойлашган.

10:1 *Исроил халқи* — шимолий қабилалардан ташкил топган халқ назарда тутилган.

10:15 *...Шилўлик Охиё орқали...Еробомга берган сўзи...* — 3 Шоҳлар 11:29-39 га қаранг.

10:18 *Одонирам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ҳадорам*.

10:18 *Исроил* — шу китобнинг давомида шимолий шоҳлик *Исроил* деган ном билан, жанубий шоҳлик эса *Яҳудо* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

11:15 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди.

11:15 *эчки жинлар* — одамларнинг тасаввурига кўра, бу жинлар саҳрода яшардилар.

11:16 *Эгамиз* — ибронийча матнда *Исроил халқининг Худоси — Эгамиз*, равон ўқилиши учун мазкур таржимада соддалаштирилган.

11:20 *Абсаломнинг қизи Махо* — Абсаломнинг невараси бўлган. 2 Шоҳлар 14:27 га кўра, Абсаломнинг ёлғиз қизи Тамара эди. 13:2 да Махо Уриёлнинг қизи деб танитилган.

11:21 *канизаклар* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: канизаклар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

12:2 *Рахабом ҳукмронлигининг бешинчи йили* — тахминан милоддан олдинги 926 йил.

12:3 *Ҳабашистонлик* — ибронийча матнда *Кушлик*. Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

13:2 *Махо* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Михиё*. Унинг Махо деган шакли 3 Шоҳлар 15:2 дан олинган (яна 11:20 га қаранг).

13:8 *Еробом...ясаттириб берган олтин бузоқлар...* — 3 Шоҳлар 12:26-30 га қаранг.

14:3 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

14:3 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

14:9 *Ҳабашистонлик* — ибронийча матнда *Кушлик* (шу бобнинг 12, 13–оятларида ҳам бор). 12:3 изоҳига қаранг.

14:9 *Моришо шаҳри* — Қуддусдан қарийб 40 километр жануби–ғарбда жойлашган.

14:13 *Гарор* — Филистларнинг шаҳри бўлиб, Яҳудо юртидан жануби–ғарбда жойлашган.

15:3 *…узоқ вақт давомида…* — ҳакамлар даврига ишора (Ҳакамлар 2:8-23 га қаранг).

15:8 *…Одод ўғли Озариё пайғамбарнинг айтган башоратини эшитгач…* — қадимий сурёнийча ва лотинча таржималардан (яна шу бобнинг 1–оятига қаранг). Ибронийча матнда *…бу сўзларни ва Одод пайғамбарнинг айтган башоратини эшитгач….*

15:10 *Осо ҳукмронлигининг ўн бешинчи йили учинчи ойи* — милоддан олдинги 895 йилнинг учинчи ойи. Иброний календарининг Шавон ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан майнинг ўртасидан бошланади.

15:16 *бувиси* — ибронийча матнда *онаси*, бироқ бу сўз бувисига ёки катта момоларнинг бирига ишора қилиши ҳам мумкин. 11:20 ва 13:1-2 га кўра, Махо Осонинг бувиси, яъни Осонинг отаси Абиёни туққан онаси эди.

15:16 *Ашера* — 14:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

15:16 *маликалик мартабаси* — қадимги Исроилда юксак мартаба ҳисобланган (3 Шоҳлар 2:19 га қаранг).

15:16 *Қидрон сойлиги* — Қуддус шаҳридан шарқда жойлашган. Сойлик — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

15:17 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

16:1 *Рама шаҳри* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда, Эфрайим қирларида жойлашган.

16:4 *Овил–Байт–Махо* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Овил–Майим*. Унинг Овил–Байт–Махо деган шакли 3 Шоҳлар 15:20 дан олинган.

16:8 *Ҳабашистонликлар* — ибронийча матнда *Кушликлар*. 12:3 изоҳига қаранг.

17:3 *отаси Осо* — ибронийча матнда *отаси*. Баъзи иброний қўлёзмаларида ва қадимий юнонча таржимада *отаси Довуд*. Бу ўринда Осо ҳукмронлигининг дастлабки йилларига ишора қилинган бўлса керак, чунки ўша пайтларда Осо Худонинг йўлидан юрарди (14:2-6, 11, 15:8-15 га қаранг), ҳукмронлигининг сўнгги йилларида эса у Худога суянмай қўйганди (16:7-12 га қаранг).

17:6 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

17:6 *Ашера* — 14:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

18:2 *Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ўлка.

18:2 *…Ёҳушафатни Гиладдаги Рамўт шаҳрига ҳужум қилишга кўндирмоқчи*

бўлиб… — ўша даврда Рамўт шаҳри Орам шоҳининг қўли остида эди (3 Шоҳлар 22:1-4 га қаранг).

19:3 *Ашера* — 14:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

20:1 *Мавун халқи* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *Оммонликлар*.

20:2 *Эдом* — битта иброний қўлёзмасидан. Ибронийча матнда *Орам*. “Орам” ва “Эдом” сўзлари ибронийчада деярли бир хил ёзилади. Эдом Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган юрт эди.

20:2 *Эн–Геди* — Ўлик денгизнинг ғарбий қирғоғида жойлашган шаҳар.

20:10 *Эдом юрти* — ибронийча матнда *Сеир тоғлари* (шу бобнинг 22, 23–оятларида ҳам бор). Эдом юртининг яна бир номи Сеир эди.

20:16 *Ярубол адирлари* — Эн–Геди ёнида (шу бобнинг 2–оятига ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

20:25 *…улар кўп миқдорда юк ҳайвонларини, мол–ҳолни…* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *…улар мурдалар орасидан кўп миқдорда мол–ҳолни….*

20:25 *кийим–кечаклар* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий лотинча таржимадан. Ибронийча матнда *мурдалар*.

20:26 *Барака* — иброний тилида бу сўз, худди ўзбек тилидагидай, қут–барака маъносини ифодалайди, лекин *ҳамду сано* маъносида ҳам келиши мумкин.

20:33 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

20:36 *савдо кемалари* — ибронийча матнда *Таршиш кемалари*. 9:21 нинг биринчи изоҳига қаранг.

20:37 *денгиз* — ибронийча матнда *Таршиш*. Мазкур ўринда бу сўз узоқ сафарга чиқиш ва ўзга юртларга бориб, савдо–сотиқ билан шуғулланишга ишора қилади. 9:21 нинг биринчи изоҳига қаранг.

21:7 *У…ваъда қилган эди* — 3 Шоҳлар 11:36 га қаранг.

21:10 *…ҳозиргача…* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

21:10 *Либна шаҳри* — Қуддусдан қарийб 20 километр ғарбда жойлашган.

21:11 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

21:16 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. 12:3 изоҳига қаранг.

21:17 *Охозиё* — ибронийча матнда *Ёҳухоз*, Охозиёнинг яна бир исми (22:1 га қаранг).

22:2 *йигирма икки* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан ва қадимий сурёнийча таржимадан (яна 4 Шоҳлар 8:26 га қаранг). Ибронийча матнда *қирқ икки*.

22:5 *Ёрам* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёҳурам* (шу бобнинг 6, 7–оятларида ҳам бор).

22:5 *Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ўлка.

22:6 *Йизрил шаҳри* — Исроилнинг шимолида, Рамўтдан қарийб 65 километр масофада жойлашган.

22:6 *Охозиё* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан (яна 4 Шоҳлар 8:29 га қаранг). Ибронийча матнда

Озариё.

22:7 *невараси* — ибронийча матнда *ўғли*. Аслида Ёҳу Нимшининг невараси эди (4 Шоҳлар 9:2 га қаранг). Ибронийчада *ўғил* сўзи *насл* маъносида ҳам ишлатилади.

22:10 *Оталиё* — Исроил шоҳи Ахабнинг қизи — Яҳудо шоҳи Ёҳурамнинг беваси эди (21:5-6, 22:2 га қаранг).

22:11 *Ёҳушева* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёҳушавият*. Унинг Ёҳушева деган шакли 4 Шоҳлар 11:2 дан олинган.

23:11 *шоҳлик қонунлари* — ёки *шоҳлик муҳри*. Бу ўринда ишлатилган ибронийча сўз қонунларнинг бир нусхасини (Қонунлар 17:18-19 га қаранг) ёки шоҳлик муҳри бўлган узукни билдиради. Бундай муҳр шоҳ ҳокимиятининг рамзи эди.

24:6 *Муқаддас аҳд чодири* — ибронийча матнда *Гувоҳлик чодири*, Муқаддас чодирнинг яна бир номи. Ибронийча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Бу тош лавҳалар Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди. Мусо даврида бу икки тош лавҳа Муқаддас чодирдаги Аҳд сандиғининг ичида сақланарди (Чиқиш 40:20 га қаранг).

24:18 *Ашера* — 14:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

24:23 *йилнинг охири* — ибронийча календарга кўра, баҳорнинг бошланишига — март ойининг ўртасига тўғри келади.

24:26 *Йўзабад* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Забад*. Унинг Йўзабад деган шакли 4 Шоҳлар 12:21 дан олинган.

24:26 *Шўмер* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шимрит*. Унинг Шўмер деган шакли 4 Шоҳлар 12:21 дан олинган.

25:4 *Эгамиз…амр қилган эди* — Қонунлар 24:16 га қаранг.

25:6 *200 пуд* — ибронийча матнда *100 талант*, тахминан 3,4 тоннага тўғри келади.

25:7 *Исроил* — ибронийча матнда *Эфрайим*. Эфрайим қабиласи Исроилнинг шимолий қисмидаги энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Бу шоҳликнинг пойтахти Самария эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭФРАЙИМ сўзига қаранг.

25:10 *Исроил* — ибронийча матнда *Эфрайим*. Шу бобнинг 7–ояти изоҳига қаранг.

25:11 *Туз водийси* — Ўлик денгизнинг жанубидаги ўлка.

25:11 *Эдом* — ибронийча матнда *Сеир* (шу бобнинг 14–оятида ҳам бор). Эдом юртининг яна бир номи Сеир эди.

25:17 *Ёҳўш* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўш* (шу бобнинг 18, 21, 23, 25–оятларида ҳам бор).

25:17 *…менга жанг майдонида рўбарў келиб кўр–чи…* — ибронийча матнда *…кел, бир–биримизга юзланайлик…*, бу вазиятда жанг майдонида куч синашишга даъват.

25:21 *Байт–Шамаш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 24 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

25:23 *Охозиё* — ибронийча матнда *Ёҳухоз*, Охозиёнинг яна бир исми (22:1, 11 га қаранг).

25:23 *400 тирсак* — тахминан 180 метрга тўғри келади.

25:24 *Обидадом* — 1 Солномалар 13:13-14 га қаранг.

25:27 *Лахиш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 35 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

25:28 *Довуд қалъаси* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан (яна 4 Шоҳлар 14:20 га қаранг). Ибронийча матнда *Яҳудо шаҳри*.

26:2 *Элет шаҳри* — Синай ярим оролининг шарқида, Қизил денгизнинг шимолий қирғоғидаги бандаргоҳ шаҳар.

26:5 *...Закариё унга Худонинг йўлидан юришни ўргатарди* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *...Закариё Худонинг ваҳийларини таъбирловчи эди*.

26:8 *Мавун халқи* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Оммонликлар*.

26:18 *Бу Ҳорун наслидан бўлган руҳонийларнинг ишидир* — Чиқиш 30:1-10, Саҳрода 16:39-40 га қаранг.

26:19 *...яра тошди* — бу ибора ибронийчада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир (шу бобнинг 20, 21, 23–оятларида ҳам бор). Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун, бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Левилар 13:45-46 га қаранг).

27:2 *...отасидан фарқли равишда Эгамизнинг Маъбадида тутатқи тутатмади* — 26:16-18 га қаранг.

27:3 *Офел тепалиги* — кўҳна Қуддус шаҳри айнан шу тепалик устида жойлашган бўлиши мумкин. Шаҳарнинг бу қисми яна “Довуд қалъаси” деб аталар эди.

27:5 *200 пуд* — ибронийча матнда *100 талант*, тахминан 3,4 тоннага тўғри келади.

27:5 *100.000 тоғора* — ибронийча матнда *10.000 кор*, тахминан 2200 тоннага тўғри келади.

28:3 *сойлик* — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

28:3 *...ҳатто ўз ўғилларини қурбонлик қилиб, оловда куйдирди* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ҳатто ўз ўғилларини оловдан ўтказди*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

28:4 *Саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

28:7 *Исроил* — ибронийча матнда *Эфрайим*. 25:7 изоҳига қаранг.

28:12 *Исроил* — ибронийча матнда *Эфрайим*. 25:7 изоҳига қаранг.

28:18 *...Яҳудо қир этаклари...Нагав чўли...* — Яҳудо қирлари Яҳудо юртининг ғарбида, Нагав чўли эса ҳозирги Исроилнинг жанубида, яъни Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида жойлашган эди. Демак, Филистлар ғарбдан, Эдомликлар эса жануби–шарқдан ҳужум қилишган.

28:20 *Тиғлатпиласар* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти

Тиғлатпилнасар. Тиғлатпиласар милоддан олдинги 745-727 йилларда ҳукмронлик қилган.

29:3 *биринчи ой* — иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

29:3 *...Ҳизқиё...Эгамизнинг уйи эшикларини қайтадан очди* — шоҳ Охоз Маъбад эшикларини қулфлаб қўйган эди. Шу сабабдан халқ у ерда Худога сажда қила олмаганди (28:22-25 га қаранг).

29:15 *...Эгамизнинг уйини поклай бошладилар* — 1 Солномалар 23:28 га қаранг.

29:16-17 *Қидрон сойлиги* — 15:16 нинг охирги изоҳига қаранг.

29:16-17 *биринчи ой* — шу бобнинг 3–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

29:21 *гуноҳ қурбонлиги* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

30:1-4 *Фисиҳ зиёфати* — Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланган зиёфат (Чиқиш 12:1-42 га қаранг).

30:1-4 *биринчи ой* — 29:3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

30:1-4 *иккинчи ой* — иброний календарининг Зив ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан апрелнинг ўртасидан бошланади.

30:6 *Оссурия босқинчилари* — 4 Шоҳлар 17:1-23 га қаранг.

30:6 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

30:13 *Хамиртурушсиз нон байрами* — бу байрам Фисиҳ зиёфатининг эртаси куни бошланар эди. Бир–бирига уланиб кетгани учун, бу иккала байрамга битта байрам деб ишора қилинган (шу бобнинг 15, 21–оятларига қаранг). Исроил халқи Фисиҳ таоми билан бирга ва бир ҳафта нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрами давомида фақат хамиртурушсиз нонларни истеъмол қилиши керак эди (Чиқиш 12:14-20, 13:3-10 га қаранг).

30:14 *Қидрон сойлиги* — 15:16 нинг охирги изоҳига қаранг.

31:1 *Ашера* — 14:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

31:1 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

31:5 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Левилар 27:30-33, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

31:7 *учинчи ой* — иброний календарининг Шавон ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан майнинг ўртасидан бошланади.

31:7 *еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

32:1 *Оссурия шоҳи Санхарив* — милоддан олдинги 705-681 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

32:5 *Милло* — Довуд қалъаси тепалик устида эди. Бу тепаликнинг шарқ томони ўпирилиб кетгани учун уни тузатиш шарт бўлган. Тепаликнинг ўпирилиб кетган

жойи тупроқ билан тўлдирилган, кенгайтирилган ва мустаҳкамланган эди. Тепаликнинг бу қисми Милло деб аталарди.

32:9 *Лахиш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 35 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

32:12 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

32:12 *У Яҳудо халқига ва Қуддусликларга…деб айтган экан* — Ҳизқиёнинг қилган ишларидан Худо мамнун эди (Қонунлар 12:2-7, 4 Шоҳлар 18:3-5 га қаранг). Аммо Оссурия шоҳи бу сўзларни Яҳудо халқини ва Қуддус аҳолисини Ҳизқиёга қарши қўзғатиш ниятида, Худога итоат қилмасликка ва ишонмасликка ундаш мақсадида айтган эди (шу бобнинг 13-19–оятларига қаранг).

32:22 *Яҳудо халқига Эгамиз ҳар тарафдан осойишталик ато қилди* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Яҳудо халқини Эгамиз ҳар томондан бошқарарди*.

32:30 *…қаздирган қувур орқали сувни Қуддус ичига олиб кирди* — бу қувур 520 метр узунликда бўлиб, қояни ўйиб қилинган эди. Сув қувур орқали шаҳар девори ташқарисидаги Гихўн сойлигидан шаҳар ичидаги Силоам ҳовузига келиб тушар эди. Яна шу бобнинг 2-4–оятларига қаранг.

32:31 *…Бобил шаҳзодалари…ўз элчиларини Ҳизқиё ҳузурига жўнатганларида…* — 4 Шоҳлар 20:12-19 га қаранг.

32:33 *…Довуд насли хилхонасининг тўрига дафн қилинди* — ёки *…Довуд наслининг хилхонасига, тепаликнинг юқори қисмига дафн қилинди*.

33:3 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

33:3 *Ашера* — 14:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

33:6 *сойлик* — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

33:6 *Ўғилларини Хиннум сойлигида қурбонлик қилиб, оловда куйдирди…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўғилларини Хиннум сойлигида оловдан ўтказди…*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

33:7 *Худо бу уй тўғрисида…шундай деган эди…* — 3 Шоҳлар 9:3-5 га қаранг.

33:14 *Офел тепалиги* — 27:3 изоҳига қаранг.

33:19 *валийлар китобида* — ёки *Хўзай китобида*.

34:3 *саждагоҳлар* — 11:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

34:3 *Ашера* — 14:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

34:20 *Михиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Михо*. Унинг Михиё деган шакли 4 Шоҳлар 22:12 дан олинган.

34:20 *Ахбор* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Абдўн*. Унинг Ахбор деган шакли 4 Шоҳлар 22:12 дан олинган.

34:22 *Тихво* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Тоққат*. Унинг Тихво деган шакли 4 Шоҳлар 22:14 дан олинган.

34:22 *Хархас* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Хасра*. Унинг Хархас деган шакли 4 Шоҳлар 22:14 дан олинган.

34:25 *…ўз қўллари билан ясаган бутлари туфайли…* — ёки *…қилган барча*

қилмишлари туфайли….

34:30 *Таврот китоби* — ибронийча матнда *Аҳд китоби*, Таврот китобининг яна бир номи (шу бобнинг 14, 15, 19–оятларига қаранг).

35:1 *Фисиҳ зиёфати* — 30:1-4 нинг биринчи изоҳига қаранг.

35:1 *Биринчи ой* — 29:3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

35:4 *Шоҳ Довуднинг ва ўғли Сулаймоннинг ёзиб қолдирган кўрсатмаларига мувофиқ…* — 1 Солномалар 23:1-26:32 га қаранг.

35:20 *Йўшиё унга қарши отланди* — ўша пайтда Миср фиръавни Нехо (милоддан олдинги 609-595 йилларда ҳукмронлик қилган) Оссурияликлар томонида эди. Нехо Оссурия шоҳининг қўли остидаги ерларни сақлаб қолишда унга ёрдам бермоқчи бўлиб, Бобил лашкарига қарши уруш қилиш учун шимол томон йўл олганди. Яҳудо шоҳи Йўшиё эса Миср ва Оссуриянинг бу иттифоқидан мамнун эмасди, чунки уларнинг кучайиши Яҳудо шоҳлигининг осойишталигига хавф солиши мумкин эди.

35:22 *Магидў* — Жалила кўлидан қарийб 40 километр жануби–ғарбда жойлашган.

35:25 *Шу кунга қадар…* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

36:3 *200 пуд* — ибронийча матнда *100 талант*, тахминан 3,4 тоннага тўғри келади.

36:3 *2 пуд* — ибронийча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

36:6 *Бобил шоҳи Навухадназар* — милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

36:6 *У Ёҳайиқимни Бобилга олиб кетиш ниятида занжирбанд қилди* — Навухадназар Ёҳайиқимни Бобилга олиб кетганми ёки йўқми, матнда аниқ ёзилмаган. Ёҳайиқим уч йил давомида Навухадназарга қарам бўлди. Охири, у Навухадназарга қарши исён кўтарди. Ёҳайиқим Қуддусда вафот этган бўлиши мумкин (4 Шоҳлар 24:1-6 га қаранг). Шундан кейин унинг ўғли Ёҳайихин Яҳудо тахтига ўтирди. Навухадназар уни милоддан олдинги 597 йилда Бобилга асир қилиб олиб кетди (4 Шоҳлар 24:8-15 га қаранг).

36:7 *сарой* — ёки *маъбад*.

36:9 *ўн саккиз* — битта иброний қўлёзмасидан, қадимий сурёнийча таржимадан ва қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан (яна 4 Шоҳлар 24:8 га қаранг). Ибронийча матнда *саккиз*.

36:10 *амаки* — ибронийча матнда *ака* ёки *ука*, бироқ бу ибронийча сўз умуман ҳар қандай эркак қариндошга нисбатан ҳам ишлатилади. 4 Шоҳлар 24:17 га кўра, Зидқиё Ёҳайихиннинг амакиси эди.

36:17 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

36:21 *Ерга дам берилмаган йиллар* — Таврот қонунига кўра, ҳар еттинчи йили ерга ишлов бериш, экин экиш Исроил халқига ман этилганди (Левилар 25:1-7 га қаранг).

36:21 *…Эгамизнинг Еремиё пайғамбар орқали айтган сўзлари…* — Еремиё 25:11, 29:10 га қаранг.

36:22 *Куруш ҳукмронлигининг биринчи йили* — милоддан олдинги 538 йил. Мидия

ва Форс лашкарлари шоҳ Куруш бошчилигида Бобил шаҳрини милоддан олдинги 539 йилда босиб олган эдилар. Шоҳ Куруш милоддан олдинги 530 йилгача Бобилда ҳукмронлик қилди. У Кир исми билан ҳам танилган.

36:22 *Эгамизнинг Еремиё орқали билдирган сўзлари* — шу бобнинг 21–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

ЭЗРА
КИТОБИ

Кириш

Эзра китоби бизни “Солномалар (иккинчи китоб)”да баён қилинган Исроил тарихининг давоми билан таништиради. Мазкур китобда Худонинг Ўз ваъдаларига содиқ қолиши ва яҳудийларни Бобилдаги етмиш йиллик сургундан кейин она юртига қайтариб олиб келиши ҳақида ҳикоя қилинади. Китобда Яҳудо юртига қайтиб келган икки гуруҳ яҳудийлар ҳақида сўз юритилади. Биринчи гуруҳ Зарубабел бошчилигида Қуддусга қайтиб келиб, Маъбадни қайта қуришни бошлайди. Зарубабел Яҳудо шоҳи Ёҳайихиннинг набираси бўлиб, Қуддусга шоҳ сулоласига мансуб бўлган зодагон сифатида қайтиб келади. Иккинчи гуруҳ Қуддусга тафсирчи Эзра бошчилигида қайтади. Эзра халқнинг ахлоқий ҳаётига катта эътибор бериб, уларни Худо олдида пок яшашга ундайди.

Бу китоб Эзранинг номи билан аталган. Худонинг қонунини мукаммал биладиган моҳир тафсирчи Эзра руҳоний Ҳорун наслидан келиб чиққан эди. Китобнинг иккинчи қисмида Эзра бош қаҳрамон бўлиб гавдаланади. Нахимиё китобида ҳам Эзра ҳақида ҳикоя қилинади.

Форс шоҳи Куруш* милоддан олдинги 538 йили махсус фармон жорий қилгани тўғрисида “Солномалар (иккинчи китоб)”нинг охирида баён қилинган. Ўша фармонда Куруш яҳудийларга: “Ўз юртларингизга қайтиб бориб, Эгангизнинг уйини тикланглар”, деб ижозат беради. Эзра китобининг биринчи қисми (1-6–боблар) Курушнинг ўша фармони билан бошланади. Бу қисмнинг давомида бир қанча яҳудийлар Қуддусга қайтиб боргани ва Маъбадда иш бошлагани тўғрисида ҳикоя қилинади. Лекин қўшни халқлар яҳудийларга кўп халақит беришади, шунинг учун қурилиш ишлари суст боради. Ҳатто бир неча йил иш тўхтаб ҳам қолади. Ниҳоят, милоддан олдинги 515 йили Маъбад қайта қуриб битказилади.

Китобнинг бу қисмидан кейинги даврда юз берган муаммолар ҳам ўрин олган (4:6-23). Жумладан, шоҳ Артахшас* ҳукмронлиги даврида яҳудийлар шаҳар деворини тиклаш ишларини тўхтатишга мажбур бўладилар.

Китобнинг иккинчи қисми (7-10–боблар) Эзранинг Қуддусга келиши билан бошланади. Милоддан олдинги 458 йили Эзра Исроил халқига Худонинг қонунларини ўргатиш учун Қуддусга қайтиб келади. Лекин Эзра халқнинг гуноҳ қилаётганини кўриб, даҳшатга тушади. Бу пайтда Исроил халқи бутпараст халқлар билан қуда–андачилик қилар, бунинг оқибатида улар бутпарастликка ружу қўйиб, Худонинг қонунларини бузаётган эдилар. Бу гуноҳларга қўл урган Исроил халқи Худонинг қаҳрига учраш хавфи остида эди (Қонунлар 7:1-5 га қаранг). Шу боис Эзра ибодат қилиб, халқнинг гуноҳлари учун тавба қилади, у Худога: “Халқинг гуноҳларидан ўт”, деб ёлворади. Халқ Худонинг қонунларига итоат этишга рози бўлади.

Эзра китобида Худонинг содиқлигига урғу берилади. Худо Ўз халқини асирликда ҳам омон сақлайди, У бутпараст шоҳнинг юрагини юмшатиб, халқини ўз юртига қайтариб олиб келади. Яҳудийлар кўп қаршиликларга қарамай, Худонинг Маъбадини қайта қурадилар. Улар ўз ватанига қайтиб келганларидан кейин ҳам, узоқ вақтгача мустақил бўла олмайдилар. Уларнинг устидан қайси шоҳлик ҳукмронлик қилмасин, Худо уларнинг ҳақиқий Ҳукмдори бўлиб

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

қолаверади.

1–БОБ

Шоҳ Куруш яҳудийларга Қуддусга қайтиш учун ижозат беради

1 Форс шоҳи Куруш ҳукмронлигининг биринчи йилида* Эгамизнинг Еремиё
орқали билдирган сўзлари* бажо бўлиши учун, Эгамиз шоҳ Курушнинг юрагига
Қуддусдаги Маъбадни қайта қуриш истагини солди. Шундай қилиб, Куруш ўз
шоҳлигининг ҳамма томонига хабарчилар жўнатди ва ёзма фармонда
қуйидагиларни эълон қилди:

2 “Форс шоҳи Куруш шундай демоқда: Самовий Худо — Эгамиз ер
юзидаги жамики шоҳликларни менга берган. У Яҳудо юртидаги Қуддус
шаҳрида Ўзига бир уй қуришни менга топширди. 3 Худонинг халқидан
бўлганларга мен ижозат бераман: улар Қуддусга боришлари ва Исроил
халқининг Худоси — Эгамизнинг уйини қайта қуришлари мумкин.
Қуддусда сажда қилинадиган Худо Удир. Исроил халқига ўзларининг
Худоси ёр бўлсин. 4 Сургундаги яҳудийлар яшайдиган ҳамма жойда шундай
деб эълон қилинсин: Қуддусга қайтмайдиган яҳудийлар қайтадиган
яҳудийларга ёрдам берсин. Уларга кумуш, олтин, сафар учун зарур
буюмлар ва чорва беришсин. Булардан ташқари, Худонинг Қуддусдаги уйи
қайта қурилиши учун кўнгилдан чиқариб назрлар беришсин.”

5 Шундай қилиб, Яҳудо ва Бенямин қабилаларининг уруғбошилари,
руҳонийлар ва левилар, шунингдек, Худо руҳлантирган ҳар бир одам Эгамизнинг
Қуддусдаги уйини қайта қуриш учун сафарга тайёрланди. 6 Барча қўшнилари
уларга чин кўнгилдан чиқариб назрлар бердилар. Булардан ташқари, кумуш
идишлар, олтин, сафар учун буюмлар, чорва ва бошқа қимматбаҳо ҳадялар бериб
ёрдам қилдилар. 7 Шоҳ Куруш Эгамизнинг уйига тегишли бўлган буюмларни олиб
келишни буюрди. Бу буюмларни шоҳ Навухадназар Қуддусдан олиб келиб*,
ўзининг худолари* уйига қўйган эди. 8 Шоҳ Куруш бу буюмларни хазинабон
Митрадот назорати остига топширди. Митрадот эса буларни санаб, Яҳудо
йўлбошчиси* Шашбаззарга берди. 9 Буюмларнинг рўйхати қуйидагича эди:

олтин тоғорачалар — 30 та
кумуш тоғорачалар — 1000 та
бошқа идишлар* — 29 та
10 олтин косалар — 30 та
кумуш косалар — 410 та
бошқа буюмлар — 1000 та.

11 Олтин ва кумуш буюмларнинг жами 5400* та эди. Шашбаззар бошқа асирлар
қаторида Бобилдан Қуддусга қайтиб кетаётганда, бу буюмларнинг ҳаммасини
ўзи билан олиб кетди.

2–БОБ

Сургундан қайтиб келганларнинг рўйхати

1-2 Бобил шоҳи Навухадназар асир қилиб олиб кетган яҳудийларнинг* бир
қисми Қуддусга ва Яҳудо юртидаги ўз шаҳарларига қайтиб келиб, ўрнашдилар.

Улар Зарубабел, Ёшуа, Нахимиё, Сараё*, Ралиё, Мардохай, Билшон, Миспар, Биғвай, Рахум ва Банах бошчилигида қайтиб келган эдилар.

Исроил уруғлари ота–боболари бўйича рўйхат қилинади

Сургундан қайтиб келган Исроил эркакларининг сони қуйидагича эди:

3 Парўш уруғидан — 2172 нафар эркак.
4 Шафатиё уруғидан — 372 нафар эркак.
5 Орах уруғидан — 775 нафар эркак.
6 Пахатмўаб, яъни Ешува ҳамда Йўаб уруғларидан — 2812 нафар эркак.
7 Элам уруғидан — 1254 нафар эркак.
8 Затту уруғидан — 945 нафар эркак.
9 Заккай уруғидан — 760 нафар эркак.
10 Баних уруғидан — 642 нафар эркак.
11 Бўвай уруғидан — 623 нафар эркак.
12 Озгад уруғидан — 1222 нафар эркак.
13 Одонихам уруғидан — 666 нафар эркак.
14 Биғвай уруғидан — 2056 нафар эркак.
15 Адин уруғидан — 454 нафар эркак.
16 Отер, яъни Ёхизқиё уруғидан — 98 нафар эркак.
17 Безай уруғидан — 323 нафар эркак.
18 Йўра уруғидан — 112 нафар эркак.
19 Хашум уруғидан — 223 нафар эркак.
20 Гибор уруғидан — 95 нафар эркак.

Исроил уруғлари ота–боболарининг шаҳарлари бўйича рўйхат қилинади

21 Таги Байтлаҳмлик — 123 нафар эркак.
22 Таги Натуфолик — 56 нафар эркак.
23 Таги Онотўтлик — 128 нафар эркак.
24 Таги Озмобитлик — 42 нафар эркак.
25 Таги Хират–Аримлик, Хафиралик ва Барўтлик — 743 нафар эркак.
26 Таги Рамалик ва Геболик — 621 нафар эркак.
27 Таги Михмашлик — 122 нафар эркак.
28 Таги Байтиллик ва Айлик — 223 нафар эркак.
29 Таги Наволик — 52 нафар эркак.
30 Таги Махбишлик — 156 нафар эркак.
31 Таги Эламлик — 1254 нафар эркак.
32 Таги Харимлик — 320 нафар эркак.
33 Таги Лўдлик, Ҳодидлик ва Онўлик — 725 нафар эркак.
34 Таги Ерихолик — 345 нафар эркак.
35 Таги Санолик — 3630 нафар эркак.

Руҳонийлар уруғлари

36 Сургундан қайтиб келган руҳонийларнинг сони қуйидагича эди:

Ёшуа наслининг Ёдиё уруғидан — 973 нафар эркак.
37 Иммар уруғидан — 1052 нафар эркак.
38 Пашхур уруғидан — 1247 нафар эркак.
39 Харим уруғидан — 1017 нафар эркак.

Левилар уруғлари

40 Сургундан қайтиб келган левилар уруғларининг сони қуйидагича эди:

Хўдавиё наслидан бўлган Ешува ҳамда Кадмил уруғларидан — 74 нафар
эркак.
41 Осиф уруғидан бўлган қўшиқчилар — 128 нафар эркак.
42 Шаллум, Отер, Талмўн, Оққув, Хатита ва Шўвай уруғларидан бўлган
Маъбад дарвозабонлари*, ҳаммаси бўлиб — 139 нафар эркак.

Маъбад хизматкорлари уруғлари

43 Сургундан қайтиб келган Маъбад хизматкорларининг уруғлари
қуйидагилар эди:

Зихо, Хасуфа, Таббайўт,
44 Керош, Сиёҳо, Падўн,
45 Лавон, Хагава, Оққув,
46 Хагав, Шалмай, Ханон,
47 Гиддол, Гахар, Раё,
48 Ратан, Накудо, Ғаззом,
49 Уззо, Посиёх, Бесай,
50 Оснах, Муним, Нафусим,
51 Бобуҳ, Хакуфа, Хорхур,
52 Базулут, Махидо, Харша,
53 Боркис, Сисаро, Тамах,
54 Назиё, Хатифа.

Сулаймоннинг қароллари уруғлари

55 Сулаймон қаролларининг* сургундан қайтиб келган уруғлари қуйидагилар
эди:

Сўтай, Сўфарат, Парудо,
56 Ялох, Дархун, Гиддол,
57 Шафатиё, Хаттил, Пахаратҳаззавойим, Омай.

58 Маъбад хизматкорлари ва Сулаймоннинг қароллари уруғларидан
бўлганларнинг жами 392 киши эди.

Насл–насаби номаълум уруғлар

59-60 Қуйидагилар Тел–Малах, Тел–Харша, Харуб, Адон ва Иммар шаҳарларидан
келган эдилар:

Далоё, Тўвиё ва Накудо уруғлари — 652 киши.

Лекин булар ўзларининг уруғбошиси Исроил авлодига мансублигини исботлай
олмасдилар.
61-62 Қуйидаги руҳонийлар уруғлари ҳам ўз насабномасини топа олмадилар:
Хаваё, Хаккўз ва Борзулай уруғлари. (Борзулайнинг бобоси Гиладлик Борзулай
деган одамнинг қизига уйланган бўлиб, бу уруғ ўша аёлнинг уруғи номи билан
юритилар эди.) Шу сабабдан улар хизмат қилишга нопок ҳисобланиб,
руҳонийликка қабул қилинмадилар. 63 Яҳудо ҳокими* уларга шундай деди:
“Бирорта руҳоний Худодан Урим ва Туммим* орқали руҳоний эканлигингизни
сўраб, тасдиқламагунча, сизлар назрларнинг руҳонийларга тегишли улушидан
тановул қилмайсизлар.”

Сургундан қайтиб келган жамоанинг жами

64 Бу жамоа жами 42.360 кишидан* иборат эди. 65 Булардан ташқари, қул ва

чўрилари — 7337 киши, қул ва чўри қўшиқчилар 200 киши эди. 66 Жамоанинг
736 та оти, 245 та хачири, 67 435 та туяси, 6720 та эшаги бор эди.
68 Асирлар жамоаси Қуддусга — Эгамиз уйининг вайроналари олдига
келишди. Шу заҳоти, баъзи уруғбошилар Худонинг уйини олдинги ўрнида қайта
тиклаш учун кўнгилдан чиқариб назрлар келтирдилар. 69 Ҳар бири қурби етганча
назр атади. Улар қурилиш учун жами 61.000 олтин танга*, 190 пуд* кумуш ва
руҳонийлар учун 100 та кўйлак бердилар.
70 Руҳонийлар, левилар, қўшиқчилар, Маъбад дарвозабонлари, Маъбад
хизматкорлари ва халқдан бир қанчаси Қуддусга ҳамда унинг атрофидаги
шаҳарларга ўрнашиб олдилар. Исроил халқининг қолганлари эса ўз шаҳарларига
бориб жойлашдилар*.

3–БОБ

Қуддусда сажда қилиш қайтадан бошланади

1 Исроил халқи ўз шаҳарларига ўрнашиб олгандан кейин, еттинчи ойда*
ҳаммаси Қуддусда йиғилишди*. 2 Ёҳузадах* ўғли Ёшуа, унинг руҳоний ҳамкорлари
ва Шалтиёл ўғли Зарубабел* ўз уруғ–аймоғи билан биргаликда Исроил халқининг
Худосига атаб, қурбонгоҳни қайтадан қурдилар. Улар Худонинг одами Мусонинг
Таврот китобида ёзилган амрларига мувофиқ куйдириладиган қурбонликларни
келтирмоқчи эдилар. 3 Улар маҳаллий халқлардан қўрқишларига қарамай,
қурбонгоҳни олдинги пойдевори устига қурдилар. Қурбонгоҳнинг устида ҳар
куни эрталаб ва кечқурун Эгамизга қурбонликларни куйдириб назр қилдилар.
4 Сўнгра Мусонинг қонунида ёзилгани сингари, Чайла байрамини* нишонладилар.
Байрамнинг ҳар бир кунига оид қурбонликлар келтириб, куйдирдилар. 5 Улар
кунда куйдириладиган қурбонликлардан ташқари, ҳар ойда нишонланадиган
янги ой шодиёнасида ва йил давомида Эгамизга атаб нишонланадиган
байрамларда қурбонликлар келтирдилар. Шунингдек, кўнгилдан чиқариб
қурбонликлар олиб келдилар. 6 Хуллас, одамлар еттинчи ойнинг биринчи
кунидан бошлаб, Эгамизга атаб куйдириладиган қурбонликларни келтира
бошлаган эдилар. Лекин Эгамизнинг Маъбади пойдевори ҳали ётқизилмаган эди.

Халқ Маъбадни қайта қура бошлайди

7 Халқ тош йўнувчиларни ва дурадгорларни пул билан таъминлаб турди. Улар
Форс шоҳи Курушнинг* ижозати билан Ўрта ер денгизи орқали Лубнондан Яффа
шаҳрига* садр ёғочларини келтирдилар. Ёғочларни олиб келган Сидонликлар ва
Тирликларга* егулик, ичимлик ва зайтун мойи бердилар. 8 Сургундан қайтганлар
Худонинг Қуддусдаги уйи вайроналари олдига келганларига бир йилу икки ой*
бўлгач, улар Эгамизнинг уйини қайта қуришни бошладилар. Қурилишда Шалтиёл
ўғли Зарубабел, Ёҳузадах ўғли Ёшуа, руҳонийлар ва левилар, шунингдек,
сургундан қайтиб келган ҳамма одамлар иштирок этди. Улар қурилиш ишларини
назорат қилиш учун йигирма ва ундан юқори ёшдаги левиларни тайинладилар.
9 Худонинг уйи қурилишини Ешува, унинг ўғиллари ва қариндошлари, Кадмил ва
унинг ўғиллари назорат қилар эдилар. (Ешува ва Кадмил Хўдавиё* наслидан
эдилар.) Уларга бу ишда левиларнинг Ханадод уруғи ёрдам берар эди.
10 Бинокорлар Эгамиз Маъбадининг пойдеворини ётқизиб бўлганларидан
кейин, руҳонийлар ўз либосларини кийдилар. Исроил шоҳи Довуднинг
кўрсатмаларига мувофиқ, руҳонийлар карнайлари билан, Осиф наслидан бўлган
левилар зиллари билан Эгамизга ҳамду сано айтиш учун ўз жойларини
эгалладилар. 11 Улар Эгамизга ҳамду сано ва шукроналар айтиб, шундай нақорат

куйладилар:

“Эгамиз яхшидир,
Унинг Исроилга бўлган содиқ севгиси абадийдир.”

Эгамизнинг уйи пойдевори ётқизилгани учун бутун халқ баланд овоз билан Эгамизга ҳамду сано айтди. 12 Одамлар хурсандчиликдан бақирарди, Эгамизнинг олдинги уйини кўрган ёши улуғ руҳонийлар, левилар ва уруғбошиларнинг кўпчилиги эса уйнинг пойдеворини кўрганларида ҳўнграб йиғладилар. 13 Халқ шунчалик қаттиқ бақирардики, овозлари узоқдан ҳам эшитилиб турарди. Буни эшитганлар хурсандчилик овозларини йиғи товушидан фарқлай олмасди.

4–БОБ

Душманлар Маъбаднинг қайта қурилишига тўсқинлик қиладилар

1 Яҳудо ва Бенямин қабиласининг ғанимлари: “Сургундан қайтиб келганлар Исроил халқининг Худоси — Эгамиз Маъбадини қайта қураётган эканлар”, деган хабарни эшитиб қолишди. 2 Улар Зарубабелнинг ва уруғбошиларнинг олдига келиб, шундай дедилар: “Биз ҳам сизларга қўшилиб Худойингизнинг уйини қурайлик, чунки биз ҳам, сизлар сингари, Худойингизга сажда қиламиз. Оссурия шоҳи Исархаддўн* бизни бу ерга олиб келгандан буён Худойингизга қурбонлик қилиб келяпмиз.” 3 Лекин Зарубабел, Ёшуа ва Исроилнинг бошқа уруғбошилари уларга шундай деб жавоб бердилар: “Сизлар Худойимизга уйни биз билан бирга қурмайсизлар. Исроил халқининг Худоси — Эгамиз учун уйни ўзимиз қурамиз. Форс шоҳи Куруш* буни бизга буюрган.”

4 Шундан кейин маҳаллий халқдан бўлган бу ғанимлар Яҳудо халқини саросимага солиб, қўрқитишга ва қурилиш ишларидан қайтаришга ҳаракат қилишди. 5 Улар амалдорларга пора бериб, Форс шоҳи Курушнинг бутун ҳукмронлиги давомида Маъбадни қайта қуриш режаларига қаршилик қилиб келдилар. Бу аҳвол то Доро тахтни эгаллаб, Форс шоҳи бўлгунга қадар* давом этган эди.

Яҳудийлар яна қаршиликларга дуч келадилар

6 Бир неча йилдан кейин* шоҳ Ахашвераш* тахтга чиқди. Ахашвераш ҳукмронлигининг бошларида, ғанимлар Яҳудо юрти ва Қуддус шаҳрида яшаётган яҳудийларга қарши айбнома ёздилар.

7 Ҳатто кейинроқ — Форс шоҳи Артахшас* ҳукмронлиги даврида ҳам Бишлам, Митрадот, Тўвал ва уларнинг бошқа шериклари шоҳга мактуб ёздилар. Мактуб орамийча* ёзилиб, таржима қилинди*.

8 Кейин ҳоким Рахум ва котиб Шимшай ҳам шоҳ Артахшасга Қуддус аҳолисини қоралаб мактуб ёзди. Мактуб шундай сўзлар билан бошланган эди:

9 “Ҳоким Рахумдан, котиб Шимшайдан ва уларнинг бошқа шериклари — ҳакамлар, йўлбошчилар, амалдорлар, Эрахликлар, Бобилликлар, Шушанликлар, яъни Элам халқидан, 10 шунингдек, улуғ ва қудратли шоҳ Ўснапар Самария* шаҳарларига ва Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоятга* олиб келиб ўрнаштирган турли халқлардан* мактуб.”

11 Улар юборган мактубнинг мазмуни қуйидагича эди:

“Шоҳ Артахшас жаноби олийлари! Биз — Фурот дарёсининг ғарбидаги

вилоятда истиқомат қилувчи қулларингиз сизга салом йўлламоқдамиз.
12 Жаноби олийларига шу нарса маълум бўлсинким, сизнинг қўл
остингиздаги бошқа ўлкалардан Қуддусга келиб ўрнашган яҳудийлар
исёнкор, бехосият шаҳарни қайтадан тикламоқдалар. Улар пойдевор
ётқизиб, тез орада шаҳар деворларини ҳам қуриб тугатадилар. 13 Жаноби
олийларини шундан хабардор қилмоқчимизки, агар шаҳар қайтадан
қурилиб, деворлари ҳам битса, яҳудийлар ўлпон, солиқ ва хирож тўламай
қўядилар. Натижада шоҳликнинг даромади камайиб кетади.
14 Саройнинг тузига биз ҳам шерик бўлганимиз учун шоҳимизнинг
шарманда бўлишига қараб ўтиришимиз бизга тўғри келмайди. Шунинг
учун мактуб жўнатиб, шоҳимизни хабардор қилмоқчи бўлдик. 15 Сиз
фармон беринг: ота–боболарингизнинг йилномаларини кўриб чиқишсин.
Бу шаҳар ғалаён макони бўлганини ўша йилномалардан топасиз. Бу шаҳар
илгаридан ҳукмдорлар ва вилоят ҳокимларига қарши бош кўтариб, кўп
муаммолар туғдирган, шу сабабли вайрон қилинган эди. 16 Биз жаноби
олийларига шуни маълум қилиб қўймоқчимизки, агар бу шаҳар қайта
қурилиб, деворлари битса, Фурот дарёсининг ғарбидаги бу вилоятга
эгалик қила олмай қоласиз.”

17 Шоҳ қуйидагича жавоб жўнатди:

“Самарияда ва Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоятда истиқомат
қилаётган ҳоким Рахумга, котиб Шимшайга ва уларнинг бошқа
шерикларига салом йўллайман.
18 Сизлар менга юборган мактуб ҳузуримда таржима қилиниб, ўқиб
эшиттирилди. 19 Шундай қилиб, менинг фармонимга биноан, текширув
олиб борилди ва бу шаҳар олдиндан шоҳларга қарши исён кўтаргани
аниқланди. Ҳақиқатан ҳам, бу шаҳар исёну ғалаён макони бўлган экан.
20 Қуддусда қудратли шоҳлар бўлган экан. Улар Фурот дарёсининг
ғарбидаги барча юртларни бошқарган эканлар, ўша юртлардан ўлпон,
солиқ ва хирож йиққан эканлар. 21 Шунинг учун яҳудийларга буюринглар,
ишни тўхтатсинлар. Мен фармон бермагунимча шаҳар қайта қурилмасин.
22 Ҳушёр бўлинглар: менинг манфаатимга зарар келтирадиган иш бошқа
қилинмасин.”

23 Шоҳ Артахшаснинг мактуби Рахум, котиб Шимшай ва уларнинг шериклари ҳузурида ўқилгач, улар шоша–пиша Қуддусга бордилар, шаҳар қурилишини тўхтатишга яҳудийларни мажбурладилар.

Маъбаддаги қурилиш ишлари қайта бошланади

24 Худонинг Қуддусдаги уйини қайта қуриш ишлари тўхтатилган эди. Форс шоҳи Доро ҳукмронлигининг иккинчи йилигача* у ерда ҳеч қандай иш қилинмади.

5–БОБ

1 Ўша даврда Хаггей ва Иддо ўғли Закариё пайғамбарлар Яҳудо юртидаги ва Қуддусдаги яҳудийларга Исроил халқининг Худоси номидан башорат қила бошладилар. 2 Шунда Шалтиёл ўғли Зарубабел* ва Ёҳузадах* ўғли Ёшуа Худонинг Қуддусдаги уйини қайта қуришга яна киришдилар. Худонинг пайғамбарлари уларнинг ишини қўллаб–қувватлаб турдилар.

3 Ўша заҳоти Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* ҳокими Таттанай билан
Шатарбўзанай ҳамда уларнинг шериклари яҳудийларнинг олдига келиб: “Бу уйни
кўтаришга, уни қайта қуришга ким сизларга ижозат берди?” деб сўрашди.
4 Бинони қураётган одамларнинг исмларини айтишни талаб қилишди*. 5 Лекин
Худо яҳудий оқсоқолларига назарини солган эди. Шунинг учун Форс амалдорлари
шоҳ Дорога* мактуб юборишга қарор қилдилар. “Мактубга жавоб келмагунча
яҳудийларни тўхтатмаймиз”, деб келишиб олдилар.

Шоҳ Дорога юборилган мактуб

6 Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят ҳокими Таттанай, Шатарбўзанай ва
уларнинг шериклари — вилоят амалдорлари шоҳ Дорога мактуб юбордилар.
7 Улар юборган мактубнинг мазмуни қуйидагича эди:

“Шоҳ Доро жаноби олийларига тинчлик–омонлик бўлсин!
8 Шоҳ жанобларига маълум бўлсинки, биз Яҳудо вилоятида улуғ Худога
атаб қурилаётган уйга борган эдик. Бу уй йўнилган тошлардан ва садр
ёғочидан қуриляпти. Иш қунт билан қилиняпти, қурилиш бир маромда
илгарилаб боряпти. 9 Биз ўша ердаги оқсоқоллар билан гаплашдик,
улардан: «Бу уйни кўтаришга, уни қайта қуришга ким сизларга ижозат
берди?» деб сўрадик. 10 Сизни хабардор қилиб қўяйлик деб, уларга
бошчилик қилаётган одамларнинг исмларини ҳам сўрадик.
11 Уларнинг бизга берган жавоби шу бўлди: «Биз Самовий Худонинг
қулларимиз. Биз тиклаётган Худонинг бу уйи анча йиллар олдин
Исроилнинг улуғ бир шоҳи томонидан қуриб битказилган эди*. 12 Лекин
ота–боболаримиз Самовий Худони ғазаблантирдилар. Шунинг учун Худо
уларни Халдей қабиласидан бўлган Бобил шоҳи Навухадназарнинг қўлига
берди*. Навухадназар бу уйни вайрон қилиб, халқни Бобилга сургун қилди.
13-14 Худонинг уйидан олтин ва кумуш буюмларни олиб, Бобилдаги
маъбадга олиб кетди. Лекин Бобил шоҳи Куруш* ўз ҳукмронлигининг
биринчи йилида, Худонинг уйи қайта қурилсин, деб фармон чиқарди. У
ҳатто Қуддусдаги Маъбадга қарашли ўша олтин ва кумуш буюмларни
Бобилдаги маъбаддан олиб келишни буюриб, Шашбаззар деган одамга
берди. Шоҳ Курушнинг ўзи Шашбаззарни Яҳудонинг ҳокими* қилиб
тайинлади. 15 У Шашбаззарга шундай деди: ‘Бу буюмларни Қуддусга олиб
бор. Худонинг уйини олдинги ўрнида қурдириб, буюмларни Маъбадга
жойлаштир.’ 16 Шунда Шашбаззар келиб, Худонинг Қуддусдаги уйи
пойдеворини ётқиздирди*. Ўшандан буён ҳозиргача қурилиш давом
этмоқда, ҳали тугагани йўқ.»
17 Энди, шоҳимизга маъқул бўлса, Бобилдаги шоҳлик йилномаларини
синчиклаб қараб чиқсалар. Ўшанда шоҳ Куруш Худонинг Қуддусдаги ўша
уйини қайта қуриш учун фармон чиқарганми ёки йўқми, кўрадилар.
Шоҳимиз бу ишга оид қарорларини бизга маълум қилишларини сўраймиз.”

6–БОБ

Шоҳ Курушнинг фармони қидирилади

1 Шундан сўнг шоҳ Доро*, Бобилда сақланадиган ҳужжатлар синчиклаб қараб
чиқилсин, деб фармон берди. 2 Ниҳоят, Мидия вилоятининг маркази Экбатана
шаҳридаги архивдан бир ўрама қоғоз* топилди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

3 “Шоҳ Куруш* ўз ҳукмронлигининг биринчи йилида Худонинг
Қуддусдаги уйига оид шундай фармон чиқарди: Худонинг уйи олдинги
ўрнида қайта қурилсин, токи одамлар у ерда қурбонликлар келтира
оладиган бўлишсин. Бу уйнинг баландлиги олтмиш тирсак*, кенглиги ҳам
олтмиш тирсак бўлсин. 4 Деворлари йўнилган тош ва ёғочдан қурилсин,
ҳар уч қатор тошнинг устига бир қатор ёғоч ётқизилсин. Харажатлар шоҳ
хазинасидан тўлансин. 5 Бундан ташқари, Навухадназар Қуддусдаги
Маъбаддан Бобилга олиб келган Худонинг уйига тегишли буюмлар* ҳам
Қуддусга қайтариб олиб борилсин. Ҳаммаси Худонинг уйига олдингидай
жойлаштирилсин.”

Шоҳ Доро Маъбаддаги ишларни давом эттиришни буюради

6 Шоҳ Доро шундай мактуб жўнатди: “Фурот дарёсининг ғарбидаги
вилоят* ҳокими Таттанай, Шатарбўзанай ва уларнинг шериклари —
вилоят амалдорлари! Сизлар нари туринглар! 7 Худонинг уйидаги ишларга
аралашманглар. Яҳудо ҳокими ва яҳудий оқсоқоллари Худонинг уйини
олдинги ўрнида қайтадан қураверишсин. 8 Бундан ташқари, сизлар яҳудий
оқсоқолларига Худонинг уйини қайта қуришда қуйидагича ёрдам
беришингизни амр қиламан: иш учун керак бўлган ҳамма маблағни уларга
кечиктирмай етказиб туринглар. Маблағни Фурот дарёсининг ғарбидаги
вилоятдан йиғилган ўлпондан — шоҳ хазинасидан тўланглар. 9 Қуддусдаги
руҳонийлар Самовий Худога ҳар куни куйдириладиган назрларни келтира
олишлари учун уларни керакли нарсалар билан таъминланглар. Уларга
сўраганини — буқа, қўчқор, қўзиларни, шунингдек, буғдой, туз, шароб ва
зайтун мойини беринглар. 10 Шунда улар Самовий Худога маъқул
келадиган қурбонликларни назр қила оладиган бўлишади ҳамда мени ва
фарзандларимни дуо қилиб юришади. 11 Яна буюраман: ким бу
фармонимни ўзгартирса, ўша одамнинг уйидан хода суғуриб олинсин.
Айбдор одам тик ўрнатилган ходанинг учига қоқилсин. Қилган жинояти
учун уйи бузиб ташланиб, гўнгтепага айлантирилсин. 12 Бу фармонимни
ўзгартиришга уринган ёки Худонинг Қуддусдаги уйини йўқотишга ҳаракат
қилган ҳар қандай шоҳ ёки халқни Худонинг Ўзи йўқ қилсин. Зотан, Худо
улуғланиши учун Ўзига Қуддус шаҳрини танлаган. Бу фармонни мен, Доро,
жорий қилдим. Фармоним сўзсиз бажарилсин.”

Маъбад қуриб битказилади ва Худога бағишланади

13 Шоҳ Доро юборган буйруққа мувофиқ, Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят
ҳокими Таттанай, Шатарбўзанай ва уларнинг шериклари шоҳнинг фармонини
сўзсиз бажаришди. 14 Шундай қилиб, яҳудий оқсоқоллари Худонинг уйини
қуравердилар, иш бир маромда илгарилаб борарди. Хаггей ва Иддо ўғли Закариё
пайғамбарлар эса башоратлари билан уларни руҳлантириб турдилар. Яҳудий
оқсоқоллари Исроил халқининг Худоси амрига ҳамда Форс шоҳлари Куруш, Доро
ва Артахшаснинг* фармонларига кўра, қурилишни тамомладилар. 15 Адар
ойининг* учинчи куни, шоҳ Доро ҳукмронлигининг олтинчи йилида* Худонинг
уйи қурилиши тугатилди.

16 Исроил халқи — руҳонийлар, левилар ва сургундан қайтган бошқа одамлар
шод–хуррамлик билан уйни Худога бағишладилар. 17 Улар Худо уйининг
бағишланишига атаб, 100 та буқа, 200 та қўчқор, 400 та қўзини қурбонлик
қилдилар. Исроил қабилаларининг сонига кўра, бутун Исроил халқи учун 12 та
такани гуноҳ қурбонлиги* қилдилар. 18 Сўнг руҳоний ва левиларни гуруҳларга

бўлдилар, уларга Худонинг Қуддусдаги уйида бажариладиган вазифаларни тақсимлаб бердилар. Буларнинг ҳаммасини Мусонинг китобида ёзилган кўрсатмалар бўйича қилдилар.

Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрами

19 Сургундан қайтганлар кейинги йилнинг биринчи ойи* ўн тўртинчи кунида
Фисиҳ зиёфатини ўтказдилар. 20 Руҳонийлар ва левилар ўзларини покладилар.
Ҳаммалари пок бўлганларидан кейин, левилар сургундан қайтган халқ учун,
руҳонийлар учун ва ўзлари учун Фисиҳ қўзисини сўйдилар. 21 Сургундан қайтган
Исроил халқи Фисиҳ таомидан тановул қилди. Юртдаги бошқа одамлар ҳам
яҳудийларга қўшилиб, Фисиҳ таомидан тановул қилдилар. Улар Исроил
халқининг Худосига — Эгамизга сажда қилиш учун қўшни халқларнинг
бутпарастлик удумларидан воз кечган эдилар. 22 Ҳаммаси шод–хуррамлик билан
етти кун давомида Хамиртурушсиз нон байрамини биргаликда нишонладилар.
Улар хурсанд эдилар, чунки Эгамиз уларни Оссурия шоҳининг* илтифотига
сазовор қилган эди. Оссурия шоҳи уларга Исроил халқи Худосининг уйини қайта
қуришда ёрдам берганди.

7–БОБ

Эзра Қуддусга келади

1 Орадан кўп йиллар* ўтди. Форс шоҳи Артахшас* ҳукмронлиги даврида Эзра
деган бир одам бор эди. Унинг насабномаси қуйидагича эди:

Эзра — Сараёнинг ўғли*,
Сараё — Озариёнинг ўғли,
Озариё — Хилқиёнинг ўғли,
2 Хилқиё — Шаллумнинг ўғли,
Шаллум — Зодўхнинг ўғли,
Зодўх — Охитобнинг ўғли,
3 Охитоб — Эмориёнинг ўғли,
Эмориё — Озариёнинг ўғли,
Озариё — Маройўтнинг ўғли,
4 Маройўт — Зарахиёнинг ўғли,
Зарахиё — Уззининг ўғли,
Уззи — Буккининг ўғли,
5 Букки — Абушуванинг ўғли,
Абушува — Финхазнинг ўғли,
Финхаз — Элазарнинг ўғли,
Элазар — олий руҳоний Ҳоруннинг ўғли эди.

6-7 Эзра Исроил халқининг Худоси — Эгамизнинг Мусога берган қонунини жуда
яхши биладиган моҳир тафсирчи эди.

Шоҳ Артахшас ҳукмронлигининг еттинчи йилида* Эзра Бобилдан Қуддусга
томон йўлга отланди. Исроил халқидан, руҳонийлардан, левилардан,
қўшиқчилардан, Маъбад дарвозабонларидан, Маъбад хизматкорларидан
баъзилари ҳам Эзра билан бирга Қуддусга кетмоқчи бўлдилар. Эзрага Эгаси Худо
ёр бўлгани учун, шоҳ унга сўраган нарсасини инъом қилди. 8-9 Биринчи ойнинг*
биринчи кунида улар Эзранинг бошчилигида Бобилдан чиқдилар. Эзрага
Худонинг марҳамати ёр бўлгани учун, улар тўрт ойдан кейин — бешинчи ойнинг*

биринчи кунида Қуддусга етиб келдилар. [10] Эзра бутун ҳаётини Эгамиз берган Таврот китобини ўрганишга, унга амал қилишга, Тавротдаги қонун–қоидаларни Исроил халқига ўргатишга бағишлаган эди.

Шоҳ Артахшаснинг Эзрага берган хати

[11] Эгамизнинг Исроил халқига берган амр ва қонунларининг моҳир тафсирчиси — руҳоний Эзрага шоҳ Артахшас мактуб берган эди. Мактубнинг мазмуни қуйидагича эди:

[12] “Самовий Худо қонунларининг моҳир тафсирчиси — руҳоний Эзрага
шоҳаншоҳ Артахшасдан саломлар бўлсин.
[13] Менинг шоҳлигимда истиқомат қилаётган Исроил халқидан,
шунингдек, руҳоний ва левилардан сен билан Қуддусга кетишни истаган
ҳар кимга ижозат берилсин, деб фармон бераман. [14] Мен ва еттита
маслаҳатчим сени Яҳудо юрти ва Қуддусга юбориб, у ердаги вазиятни
текшириб чиқишингга ваколат берамиз. Сенга топширилган Худойингнинг
қонуни у ерда ижро этиляптими ёки йўқми, билиб кел. [15] Қуддусда маскан
қилган Исроил халқининг Худосига биз кўнгилдан чиқариб назр қилган
кумуш ва олтинларни ҳам ўзинг билан олиб кет. [16] Бобил вилояти бўйлаб
сен тўплайдиган ҳамма кумуш ва олтинни ол. Исроил халқи ва уларнинг
руҳонийлари ўз Худосининг Қуддусдаги уйи учун кўнгилдан чиқариб
берадиган назрларни ҳам олиб кет.
[17] Бу кумуш ва олтинга, биринчи навбатда, буқалар, қўчқорлар, қўзилар,
уларга қўшиб қилинадиган дон билан шароб назрларини сотиб ол.
Буларни Худойингнинг Қуддусдаги уйи қурбонгоҳида назр қил. [18] Қолган
кумуш ва олтинни эса Худойингнинг хоҳишига мувофиқ, ўзингга ва
ҳамкорларингга маъқул келганича ишлатсанг бўлади. [19] Худойингнинг
уйида фойдаланиш учун берилган буюмларни Қуддусдаги Худога инъом
қил. [20] Борди–ю, Худойингнинг уйи учун яна бошқа харажатлар талаб
қилинса, маблағни шоҳ хазинасидан олишинг мумкин.
[21] Мен, шоҳ Артахшас, Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят*
хазинабонларининг ҳаммасига фармон бераман: Самовий Худо
қонунларининг моҳир тафсирчиси — руҳоний Эзра нима талаб қилмасин,
унинг талаби сўзсиз ижро этилсин. [22] 200 пудга* қадар кумуш, 1000
тоғорага* қадар буғдой, 200 кўзага* қадар шароб, 200 кўзага қадар мой ва
керагича туз берилсин. [23] Самовий Худо Ўз уйи учун нималарни амр қилган
бўлса, ўша нарсалар албатта муҳайё қилинсин. Мендан ва менинг
меросхўрларимдан Худо ғазабланмасин. [24] Биз яна сизларни хабардор
қиламизки, руҳонийлардан, левилардан, қўшиқчилардан, Маъбад
дарвозабонларидан, Маъбад хизматкорларидан, Худонинг уйидаги бошқа
хизматкорлардан ўлпон, солиқ ёки хирож олиш ман этилади.
[25] Сен эса, Эзра, Худо берган донолик билан қози ва ҳакамларни
тайинла. Улар Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоятда Худойингнинг
қонунларини биладиган жамики халқни ҳукм қилсинлар. Қонунларни
билмайдиган одамларга сизлар таълим беринглар. [26] Худойингнинг
қонунига ва шоҳнинг қонунига итоат қилмаганларнинг ҳаммаси албатта
жазога тортилсин: қатл қилинсин ёки сургун қилинсин, қамоққа
ташлансин ёки мол–мулки мусодара қилинсин.”

Эзра Худони мадҳ қилади

[27] Ота–боболаримизнинг Худоси — Эгамизга ҳамду санолар бўлсин! Эгам

Қуддусдаги уйини шарафлаш истагини шоҳнинг юрагига солди. [28] Эгам Худонинг марҳамати билан мен* шоҳнинг, унинг маслаҳатчилари ва барча обрўли аъёнларининг илтифотига сазовор бўлдим.

Эзра сафарга тайёрланади

Эгам Худо менга ёр бўлгани учун мен дадил бўлиб, Исроил йўлбошчиларини ўзим билан олиб кетгани тўпладим.

8–БОБ

Эзра билан бирга сургундан қайтиб келган одамлар

[1] Шоҳ Артахшас* ҳукмронлиги даврида мен* билан бирга Бобилдан кетган уруғбошилар ва улар билан бирга рўйхатга олинганлар қуйидагилар эди:

[2-3] Финхаз уруғидан — Гершом.
Итамар уруғидан — Дониёр.
Довуд уруғидан — Шаханиё наслидан бўлган Хаттуш.
Парўш уруғидан — Закариё ва у билан бирга рўйхатга олинган 150 нафар эркак.
[4] Пахатмўаб уруғидан — Зарахиё ўғли Элихўнай ва у билан бирга 200 нафар эркак.
[5] Затту уруғидан — Яхазиёл ўғли Шаханиё* ва у билан бирга 300 нафар эркак.
[6] Адин уруғидан — Йўнатан ўғли Эвид ва у билан бирга 50 нафар эркак.
[7] Элам уруғидан — Оталиё ўғли Ешаё ва у билан бирга 70 нафар эркак.
[8] Шафатиё наслидан — Микойил ўғли Забадиё ва у билан бирга 80 нафар эркак.
[9] Йўаб наслидан — Ёхиёл ўғли Ободиё ва у билан бирга 218 нафар эркак.
[10] Баних уруғидан — Йўсифиё ўғли Шалумит* ва у билан бирга 160 нафар эркак.
[11] Бўвай уруғидан — Бўвай ўғли Закариё ва у билан бирга 28 нафар эркак.
[12] Озгад уруғидан — Хаккатан ўғли Йўханон ва у билан бирга 110 нафар эркак.
[13] Одонихам уруғидан — Элифалет, Явиёл, Шамаё ва улар билан бирга 60 нафар эркак. Элифалет, Явиёл ва Шамаё қариндошлари орасидан энг охирги бўлиб қайтиб келдилар*.
[14] Биғвай уруғидан — Утай, Заккур ва улар билан бирга 70 нафар эркак.

Эзра Маъбадда хизмат қилиш учун левиларни чақиртиради

[15] Мен уларни Оҳабо шаҳрига* оқиб борадиган дарё бўйида тўпладим. Ўша жойда биз уч кун турдик. Мен тўпланганларни синчиклаб кўриб чиқдим, уларнинг орасида руҳонийларни топдим, лекин левилар йўқ эди. [16] Кейин йўлбошчилар Элиазарни, Ориёлни, Шамаёни, Элнатанни, Ёривни, Элнатанни, Натанни, Закариёни, Машулломни ҳамда Таврот устозлари Йўхарив ва Элнатанни чақиртирдим. [17] Уларни Косифиёдаги* левиларнинг йўлбошчиси Иддонинг ҳузурига жўнатаётиб, уларга шундай деб тайинладим: “Иддонинг ҳузурига боргач, унга, унинг шерикларига, Косифиёдаги Маъбад хизматкорларига айтинглар, Худонинг уйи учун левиларни юборишсин.” [18] Худойимизнинг марҳамати бизга ёр бўлгани учун, улар Шаравиё деган лаёқатли бир одамни, ўғиллари ва қариндошлари билан бирга юбордилар. Шаравиё Ёқуб* ўғли Леви наслининг Махли уруғидан эди. Келганлар жами 18 нафар эркак эдилар.

19 Шунингдек, Марори уруғидан Хашавиё ва Ешаё ўғиллари ва қариндошлари
билан бирга юборилган эди. Улар жами 20 нафар эркак эдилар. 20 Булардан
ташқари, 220 нафар Маъбад хизматкори ҳам юборилди. Уларнинг ҳаммаси
номма–ном қайд этилган. Бу хизматкорларнинг аждодларини шоҳ Довуд ва унинг
аъёнлари левиларга ёрдам бериш учун тайинлаган эдилар.

Эзра рўза эълон қилади

21 Худодан: “Бизни, болаларимизни ва бутун мол–мулкимизни сафарда
сақлагин”, деб сўраб, тоат–ибодат қилишимиз учун мен Оҳабо дарёси бўйида рўза
эълон қилдим. 22 Шоҳдан: “Бизни йўлда душмандан ҳимоя қилиш учун бир гуруҳ
сипоҳ ва отлиқлар беринг”, деб сўрашга хижолат бўлардим. Чунки биз шоҳга:
“Худойимиз Унга юз бурганларнинг ҳаммасига марҳамат қилади, лекин Ундан юз
ўгирганларга ғазабини сочади”, деб айтган эдик. 23 Шундай қилиб, биз рўза
тутдик ва Худойимизга, бизни сақлагин, деб илтижо қилдик. Худойимиз бизнинг
илтижоларимизни эшитди.

Маъбад учун ҳадялар

24 Сўнгра мен бош руҳонийларнинг орасидан ўн иккита руҳонийни —
Шаравиёни, Хашавиёни ва уларнинг қариндошларидан ўнтасини танлаб олдим.
25 Худойимизнинг уйи учун назр қилинган кумуш, олтин ва буюмларни уларнинг
ҳузурида тарозида тортдим. Шоҳ, унинг маслаҳатчилари, аъёнлари, Бобил
вилоятидаги бутун Исроил халқи назр қилган бу ҳадяларни уларга топширдим.
26 Мен уларга топширган назрларнинг миқдори қуйидагича эди:

1400 пуд* кумуш,
200 пуд* кумуш буюм,
200 пуд олтин,
27 ярим пуд* чиқадиган 20 та олтин коса,
қиймати олтинга тенг бўлган, сайқалланган аъло сифатли 2 та бронза
буюм.

28 Мен уларга шундай дедим: “Сизлар Эгамизга бағишлангансизлар, буюмлар
ҳам Эгамизга бағишланган. Бу кумуш ва олтинлар ота–боболаримизнинг Худоси
— Эгамизга чин кўнгилдан назр қилинган. 29 Сизлар бу назрларни Қуддусга олиб
боргунларингизгача эҳтиёт қилиб сақланглар. Сўнг буларни Эгамизнинг уйи
омборида бош руҳонийлар, левилар ва уруғбошилар ҳузурида тарозида
тортинглар.”
30 Шундай қилиб, руҳонийлар ва левилар тарозида тортилган бу кумуш, олтин
ва буюмларни Худойимизнинг Қуддусдаги уйига олиб бориш учун қабул қилиб
олдилар.

Қуддусга сафар

31 Биринчи ойнинг* ўн иккинчи куни биз Оҳабо дарёси бўйидан Қуддус томон
йўлга тушдик. Худойимиз бизга ёр эди. Йўлда кетаётганимизда, У бизни душман
ҳужумидан ва қароқчилардан ҳимоя қилди. 32 Биз Қуддусга етиб келиб, у ерда уч
кун турдик. 33 Тўртинчи куни эса кумуш, олтин ва буюмларни Худойимизнинг
уйида тарозида тортиб, Уриё ўғли руҳоний Миромўтга топширдик. Унинг ёнида
Финхаз ўғли руҳоний Элазар, шунингдек, левилардан Ешува ўғли Йўзабад ва
Биннуй ўғли Новадиё бор эдилар. 34 Ўша куни биз ҳамма нарсани тарозида
тортиб, ҳисоблаб чиқдик, ҳар бир нарсанинг вазнини ёзиб қўйдик.
35 Шундан сўнг сургундан қайтиб келганлар Исроил халқининг Худосига
қурбонликлар келтирдилар. Улар бутун Исроил халқи учун 12 та буқани, 96 та

қўчқорни, 77 та қўзини Эгамизга қурбонлик қилиб куйдирдилар. Булардан ташқари, халқни гуноҳларидан поклаш учун 12 та такани қурбонлик қилдилар.
36 Сўнг шоҳнинг фармонини Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* ноибларига ва ҳокимларига олиб бордилар. Ноиблар билан ҳокимлар халққа ва Худонинг уйига ёрдам кўрсатдилар.

9–БОБ

Исроил халқининг хиёнати

1 Шу воқеалардан кейин Исроил халқининг йўлбошчилари менинг* олдимга келиб, шундай дейишди: “Сургундан қайтган Исроил халқининг кўпчилиги, ҳатто баъзи руҳонийлар билан левилар маҳаллий халқлардан ўзларини сақламадилар. Улар Канъон, Хет, Париз, Ёбус, Оммон, Мўаб, Миср ва Амор халқларининг жирканч одатларини ўзлаштириб олдилар. 2 Яҳудий эркакларининг баъзилари ўша халқларнинг қизларига уйландилар, ўғилларига ҳам ўша халқларнинг қизларидан олиб бердилар. Шу тариқа муқаддас халқ юртдаги бошқа халқлар билан чатишиб кетди. Бу хиёнатни йўлбошчилар билан амалдорлар бошлаб беришди.” 3 Мен бу гапларни эшитганимда қайғудан кўйлагим ва ридоимни йиртиб ташладим, соч–соқолимни юлдим. Қаттиқ изтиробда қолдим. 4 Сургундан қайтганларнинг бу хиёнати дастидан Исроил Худосининг сўзларидан қўрқадиган ҳамма одамлар менинг атрофимга тўпландилар. Мен эса кечки қурбонлик назр қилинадиган пайтгача изтироб чекиб ўтиравердим.

Эзра илтижо қилади

5 Кечки қурбонлик пайтида мен ҳамон изтироб чекканимча ўтирган ўрнимдан турдим. Кўйлакларим ва ридоим йиртилган ҳолатда тиз чўкдим. Эгам Худога қўлларимни чўзиб, 6 ёлвордим:

> “Эй Худойим! Қаттиқ хижолатдаман, ҳузурингда бошимни кўтаришга ботинолмайман. Эй Худойим! Айбларимиз бошимиздан ҳам ошиб кетган, гуноҳларимиз тоғдай уйилиб, осмону фалакка етган. 7 Ота–боболаримиз давридан шу кунгача биз гуноҳга ботиб келдик. Айбларимиз туфайли Сен бизни, шоҳларимизни, руҳонийларимизни бошқа юртларнинг шоҳларига мағлуб қилдинг. Улар бизни ўлдиришди, талон–тарож қилишди, асир қилиб олиб кетишди, худди ҳозиргидай, биз шармандали аҳволга тушдик.
> 8 Энди эса, эй Эгамиз Худо, Сен қисқа вақт давомида бизга шафқатингни кўрсатиб, бизни омон сақладинг, муқаддас масканинг олдига жойлаштирдинг. Бизга умид бердинг, қуллигимизда* озгина бўлса ҳам, ҳаловат ато қилдинг. 9 Эй Худойимиз, биз қул бўлсак ҳам, Сен бизни тарк этмадинг. Бизга марҳамат кўрсатиб, Форс шоҳининг илтифотига сазовор қилдинг. Бизга янги ҳаёт ато қилдинг, уйингни қайта қуришимизга, уни тиклашимизга имконият бердинг, Яҳудо юртида ва Қуддусда бехатар яшашимизга имконият яратдинг.
> 10 Эй Худойимиз, энди нима ҳам дердик?! Буларнинг ҳаммасидан кейин ҳам биз амрларингга риоя қилмадик. 11 Сен пайғамбар қулларинг орқали шундай амр берган эдинг: «Сизлар эгалик қилиш учун кираётган бу юрт маҳаллий халқларнинг бутпараст удумлари туфайли ҳаром бўлган. Халқлар жирканч одатлари билан бутун юртни у бошидан бу бошигача булғадилар. 12 Шунинг учун уларга қиз узатманглар, ўғилларингизга уларнинг қизларини олиб бермanглар. Уларга ҳеч қачон тинчлик ва

фаровонликни раво кўрманглар. Шундагина сизлар кучли бўласизлар, юртнинг аъло ҳосилидан еб, роҳатланасизлар, бу юртни болаларингизга абадий мерос қилиб қолдирасизлар.»

13 Қабиҳ ишларимиз, ўзларимизнинг айбларимиз бошимизга тушган
ҳамма кўргиликларга сабаб бўлди. Аслида, эй Худойим, Сен бизни
гуноҳларимиз учун янада кўп жазолашинг керак эди, лекин ундай
қилмадинг, айримларимизни омон сақладинг. Мана шулардан кейин ҳам
14 биз амрларингни буздик. Жирканч одатларга муккасидан кетган халқлар
билан қуда–андачилик қилдик! Энди Сен биздан ғазабланиб,
бирортамизни ҳам тирик қолдирмай қириб ташлашинг аниқ! 15 Эй Исроил
халқининг Худоси — Эгамиз, Сен адолатлисан. Шунга қарамай, шу кунгача
Сен бизни асраб келдинг. Сенинг олдингда туришга ҳақимиз йўқ, лекин
мана, айбларимиз билан олдингда турибмиз.”

10–БОБ

Халқ гуноҳи учун тавба қилади

1 Эзра Худонинг уйи олдида ўзини ерга отиб йиғлаганича, халқнинг
гуноҳларини эътироф этди. У Худога илтижо қилаётганда, атрофига Исроилдан
катта жамоа — эркагу аёл, болалар йиғилишди. Халқ ҳам аччиқ–аччиқ йиғларди.
2 Элам наслидан Ёхиёл ўғли Шаханиё Эзрага шундай дея мурожаат қилди: “Биз
маҳаллий халқларнинг бутпараст аёлларига уйланиб, Худойимизга хиёнат
қилдик. Лекин шунга қарамай, биз — Исроил халқи учун ҳали ҳам умид бор!
3 Келинг, Худойимиз билан аҳд қилайлик. Ҳазратим, сизнинг маслаҳатингизга
кўра ва Худойимизнинг сўзларидан қўрқадиганларнинг маслаҳатига кўра, барча
бутпараст хотинларни болалари билан бирга қўйиб юборайлик. Худонинг
қонунига амал қилайлик. 4 Қани ҳазратим, ишга киришинг, бу сизнинг
бурчингиздир. Биз сиз биланмиз. Дадил бўлинг, ишни бошланг.”

5 Шунда Эзра ўрнидан туриб, руҳонийларнинг, левиларнинг ва бутун Исроил
халқининг бошлиқларига, айтилганларни қиламиз, деб онт ичирди. Ҳаммалари
онт ичдилар. 6 Сўнг Эзра Худонинг уйи олдидан кетиб, Элиашаб ўғли
Ёҳуханоннинг хонасига борди, тунни ўша ерда ўтказди. У* на нон еди, на сув ичди,
сургундан қайтганларнинг хиёнаткорлиги дастидан қайғураётган эди.

7 “Сургундан қайтганларнинг ҳаммаси Қуддусга тўплансин”, деб Яҳудо юрти ва
Қуддус бўйлаб жар солинди. 8 “Агар кимки уч кун ичида келмаса,
йўлбошчиларнинг ва оқсоқолларнинг буйруғига кўра, уларнинг ҳамма
мол–мулки мусодара қилинсин, ўзлари сургундан қайтганлар жамоасидан
чиқарилсин”, деб хабар берилди.

9 Уч кун ичида Яҳудо ва Бенямин ҳудудида яшаётганларнинг ҳаммаси
Қуддусда тўпланди. Бу воқеа тўққизинчи ойнинг* йигирманчи кунида рўй берди.
Одамлар Худонинг уйи олдидаги ҳовлида жойлашиб ўтирди. Аҳволнинг
жиддийлигидан ва кучли ёмғир ёғаётганидан халқ титрарди. 10 Руҳоний Эзра
ўрнидан туриб, халққа деди: “Сизлар бутпараст аёлларга уйланиб, Эгамизга
хиёнат қилдингизлар, Исроил халқининг айблари устига айб орттирдингизлар.
11 Энди ота–боболарингизнинг Худоси — Эгамиз олдида бу гуноҳларингизни тан
олинглар, Унинг хоҳиши бўйича иш тутинглар. Ўзларингизни маҳаллий
халқлардан айириб, бутпараст хотинларингизни қўйиб юборинглар.” 12 Шундан
кейин бутун жамоа баланд овоз билан жавоб берди: “Сиз ҳақсиз!
Айтганларингизни қиламиз. 13 Лекин халқ кўп, ёмғир ҳам ёғяпти, шунинг учун

очиқ жойда тура олмаймиз. Орамиздаги кўпчилик бу гуноҳга қўл урган, шунинг учун бу масалани бир–икки кунда ҳал қилиб бўлмайди. 14 Майли, йўлбошчиларимиз Қуддусда қолсинлар, улар бу ишнинг масъулиятини ўз зиммаларига олсинлар. Бутпараст аёлларга уйланганларнинг ҳаммаси белгиланган вақтда ўз шаҳар оқсоқоли ва ҳаками билан бирга келишсин. Бу қилмишимиздан ғазабланган Худо шунда ғазабидан тушади.” 15 Фақат Осойил ўғли Йўнатан билан Тихво ўғли Яхзиё бу таклифга қарши чиқдилар, левилардан Машуллом ва Шаббатай ҳам уларни қўллаб–қувватладилар.

16 Шундай қилиб, сургундан қайтганлар берилган таклифни қабул қилдилар. Руҳоний Эзра уруғбошилар орасидан одамларни тайинлаб, уларнинг исмларини ёзиб қўйди. Ўнинчи ойнинг* биринчи куни улар бу ишни текширишга киришдилар. 17 Биринчи ойнинг* биринчи кунига келиб, бутпараст аёлларга уйланган барча эркаклар билан боғлиқ бўлган масала кўриб чиқилди.

Бутпараст аёлларга уйланганларнинг рўйхати

18 Бутпараст аёлларга уйланган одамлар қуйидагилардир:

Руҳонийлардан:

Ёҳузадах* ўғли Ёшуанинг уруғидан ва унинг ҳамкорларидан — Масиё, Элиазар, Ёрив ва Гадалиё. 19 Улар хотинларини қўйиб юборишга онт ичдилар ва айблари учун битта қўчқорни айб қурбонлиги қилдилар.
20 Иммар уруғидан — Хонин ва Забадиё.
21 Харим уруғидан — Масиё, Илёс, Шамаё, Ёхиёл ва Уззиё.
22 Пашхур уруғидан — Элийўнай, Масиё, Исмоил, Натанил, Йўзабад ва Эласах.

23 Левилардан:

Йўзабад, Шимах, Килаёх (Килит деб ҳам айтилади), Патихиё, Яҳудо ва Элиазар.

24 Қўшиқчилардан:

Элиашаб.

Маъбад дарвозабонларидан:

Шаллум, Талим ва Ури.

25 Исроил халқининг қолганларидан:

Парўш уруғидан — Ромиё, Йизиё, Малкиё, Миёмин, Элазар, Малкиё ва Бинаё.
26 Элам уруғидан — Маттаниё, Закариё, Ёхиёл, Абди, Ёримўт ва Илёс.
27 Затту уруғидан — Элийўнай, Элиашаб, Маттаниё, Ёримўт, Забад ва Азизах.
28 Бўвай уруғидан — Ёҳуханон, Ханониё, Заббай ва Отлей.
29 Баних уруғидан — Машуллом, Маллух, Одаё, Ёшув, Шаёл ва Ёримўт.
30 Пахатмўаб уруғидан — Адна, Хилол, Бинаё, Масиё, Маттаниё, Базалил, Биннуй ва Манаше.
31 Харим уруғидан — Элиазар, Ишшиё, Малкиё, Шамаё, Шимўн, 32 Бенямин,

Маллух, Шамариё.
33 Хашум уруғидан — Маттанай, Маттатах, Забад, Элифалет, Ёримай,
Манаше ва Шимах.
34 Баних уруғидан — Мадай, Имром, Увал, 35 Бинаё, Бидаё, Халух, 36 Ваниё,
Миромўт, Элиашаб, 37 Маттаниё, Маттанай ва Ясой.
38 Биннуй уруғидан — Шимах*, 39 Шаламиё, Натан, Одаё, 40 Махнадбай,
Шошай, Шорой, 41 Озариёл, Шаламиё, Шамариё, 42 Шаллум, Эмориё ва
Юсуф.
43 Наво уруғидан — Явиёл, Маттитиё, Забад, Забино, Яддай, Йўэл ва Бинаё.

44 Юқоридагиларнинг ҳаммаси бутпараст аёлларга уйланган эдилар. Ўша
аёллардан айримлари уларга фарзандлар ҳам туғиб берган эдилар*.

ИЗОҲЛАР

Форс шоҳи Куруш — Кир исми билан ҳам танилган. Милоддан олдинги 539 йилда Мидия ва Форс лашкарлари шоҳ Куруш бошчилигида Бобилни босиб олишди. Шоҳ Куруш милоддан олдинги 530 йилгача Бобилда ҳукмронлик қилди.

шоҳ Артахшас — Артаксеркс исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 465-424 йилларда ҳукмронлик қилган.

1:1 *Куруш ҳукмронлигининг биринчи йили* — милоддан олдинги 538 йил. Мидия ва Форс лашкарлари шоҳ Куруш бошчилигида Бобил шаҳрини милоддан олдинги 539 йилда босиб олган эдилар. Шоҳ Куруш милоддан олдинги 530 йилгача Бобилда ҳукмронлик қилди. У Кир исми билан ҳам танилган.

1:1 *Эгамизнинг Еремиё орқали билдирган сўзлари* — Еремиё 25:11, 29:10 га қаранг.

1:7 *Бу буюмларни шоҳ Навухадназар Қуддусдан олиб келиб…* — 4 Шоҳлар 25:13-15 га қаранг. Навухадназар милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган. Милоддан олдинги 586 йилда у Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг).

1:7 *худолари* — ёки *худоси*.

1:8 *Яҳудо йўлбошчиси* — ибронийча матнда *Яҳудо шаҳзодаси*, Шашбаззар ўз халқининг эътиборлик йўлбошчиси бўлгани учун унга нисбатан мана шу унвон ишлатилган. У шоҳлар сулоласидан эмас эди. Шашбаззар шоҳ Куруш томонидан Яҳудо ҳокими қилиб тайинланганди (5:13-14 га қаранг).

1:9 *бошқа идишлар* — ёки *пичоқлар*.

1:11 *5400* — шу бобнинг 9-10–оятларида рўйхати берилган буюмларнинг умумий сони 5400 та эмас, балки 2499 та. 9-10–оятларда фақат энг муҳим буюмларнинг рўйхати келтирилган бўлиши мумкин, умумий сонга эса ҳамма буюмларнинг сони киритилган.

2:1-2 *Бобил шоҳи Навухадназар асир қилиб олиб кетган яҳудийлар* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:1-2 *Сараё* — Нахимиё 7:6-7 нинг ибронийча матнида бу исмнинг бошқа варианти *Озариё*. Шу бобнинг 1-60–оятларида келтирилган рўйхатдаги баъзи исмлар Нахимиё китобининг 7:6-62 рўйхатидаги исмлардан бир оз фарқ қилади.

2:42 *Маъбад дарвозабонлари* — уларнинг вазифалари тафсилоти 1 Солномалар 9:22-29 да берилган.

2:55 *Сулаймон қароллари* — 3 Шоҳлар 9:20-21 ва 2 Солномалар 8:7-8 га қаранг.

2:63 *Яҳудо ҳокими* — бу ўринда қайси Яҳудо ҳокими ҳақида гап кетаётгани аниқ эмас. Бу пайтда Зарубабел ҳокимлик қилган, деб тахмин қилиш мумкин (шу бобнинг 1-2–оятлари, 3:2, 4:2 ва Хаггей 2:2, 21 га қаранг).

2:63 *Урим ва Туммим* — айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун фойдаланадиган иккита муқаддас нарса. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

2:64 *42.360 киши* — шу бобнинг 3-60–оятларида рўйхати берилган одамларнинг жами 42.360 та эмас, балки 29.818 та. Оятда қайтиб келган одамларнинг умумий сони берилган, рўйхатга эса Яҳудо юртига қайтиб келган баъзи одамларгина

киритилган бўлиши мумкин.

2:69 *61.000 олтин танга* — ибронийча матнда *61.000 олтин дарик*. Дарик олтин танга бўлиб, тахминан 8 граммга тўғри келади, демак, берилган олтиннинг умумий оғирлиги тахминан 500 килога тўғри келади.

2:69 *190 пуд* — ибронийча матнда *5000 мина*, тахминан 3 тоннага тўғри келади.

2:70 *...Қуддусга...бориб жойлашдилар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ўз шаҳарларига ўрнашдилар, бутун Исроил халқи ҳам ўз шаҳарларига ўрнашди*. Шу бобнинг 1-2–оятларига қаранг.

3:1 *еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

3:1 *...еттинчи ойда ҳаммаси Қуддусда йиғилишди* — бу ўринда милоддан аввалги 538 йил, Куруш Бобилда ҳукмронлик қилишни бошлаган йил ҳақида гап кетаётган бўлиши мумкин (1:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

3:2 *Ёҳузадах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўзадах* (шу бобнинг 8–оятида ҳам бор).

3:2 *Шалтиёл ўғли Зарубабел* — 1 Солномалар 3:17-19 га кўра, Зарубабел Шалтиёлнинг укаси Подиёнинг ўғли эди. Шалтиёл ва Подиё сургун қилинган Яҳудо шоҳи Ёҳайхиннинг ўғиллари бўлиб, Шалтиёл тўнғич фарзанд эди (4 Шоҳлар 24:8-17 га қаранг). Шалтиёлнинг ўғли бўлмаганига икки тахмин мавжуд: у бефарзанд эди ёки фарзандлари бўлган–у, аммо ҳаммаси ҳалок бўлган. Сабаби нима бўлишидан қатъий назар, шоҳ сулоласи Подиё орқали давом этган. Матндаги “Шалтиёл ўғли” ибораси Зарубабел шоҳ Ёҳайхиннинг ҳаққоний тахт вориси эканлигини кўрсатади.

3:4 *Чайла байрами* — еттинчи ойнинг ўн бешинчи кунидан бошлаб етти кун давомида нишонланган (Левилар 23:33-43 га қаранг).

3:7 *Форс шоҳи Куруш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

3:7 *Яффа шаҳри* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бўлиб, Қуддус учун бандаргоҳ вазифасини ўтаган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

3:7 *Сидонликлар ва Тирликлар* — Сидон ва Тир Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар. Бу шаҳарлар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

3:8 *икки ой* — иброний календарининг иккинчи ойи, Зив ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан апрелнинг ўртасидан бошланади. Шоҳ Сулаймон Маъбадни айнан шу ойда қуришни бошлаган эди (3 Шоҳлар 6:1 га қаранг).

3:9 *Хўдавиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Яҳудо*. Унинг Хўдавиё деган шакли 2:40 дан олинган.

4:2 *Оссурия шоҳи Исархаддўн* — милоддан олдинги 681-669 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган. Бу парчада айтиб ўтилган одамлар мазкур ҳудудга милоддан олдинги 677 ёки 676 йилда, Исархаддўн Сурияни босиб олганда олиб келинган бўлишлари мумкин. Оссурия шоҳлари турли халқларни Самария ерларига кўчиртириб келиб ўрнаштирганлар (4 Шоҳлар 17:24-34 га қаранг). Бу халқлар

ҳам Худога, ҳам бутларга сиғинганлар.

4:3 *Форс шоҳи Куруш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

4:5 *...Форс шоҳи Курушнинг бутун ҳукмронлиги давомида...то Доро тахтни эгаллаб, Форс шоҳи бўлгунга қадар...* — Куруш милоддан олдинги 539-530 йилларда, Доро милоддан олдинги 522-486 йилларда ҳукмронлик қилган. Шу бобнинг 24–ояти 1-5–оятларнинг давомидир. 6-23–оятларда тасвирланган воқеа анча кейин содир бўлган. Бу воқеа Эзра Қуддусга қайтиб келганига тахминан 13 йил бўлганда рўй берган эди. Ўша пайтда Нахимиё ҳали Қуддусга қайтиб келмаган бўлиши мумкин.

4:6 *Бир неча йилдан кейин...* — шу бобнинг 5–ояти изоҳига қаранг.

4:6 *шоҳ Ахашвераш* — Ксеркс исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 486-465 йилларда ҳукмронлик қилган.

4:7 *Форс шоҳи Артахшас* — Артаксеркс исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 465-424 йилларда ҳукмронлик қилган.

4:7 *орамийча* — асл матннинг 4:8 дан 6:18 гача бўлган қисми иброний тилида эмас, орамий тилида ёзилган.

4:7 *...таржима қилинди* — форс тилига бўлиши мумкин.

4:10 *Самария* — пойтахтнинг номи бўлиб, собиқ Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган.

4:10 *Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* — Форс шоҳлигига қарашли бўлган катта бир вилоят. Бу вилоят Фурот дарёси билан Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган бўлиб, Яҳудо юртини ҳам ўз ичига олган эди.

4:10 *...шоҳ Ўснапар...олиб келиб ўрнаштирган турли халқлардан...* — шоҳ Ўснапар яна Ашшурбанапал исми билан танилган бўлиб, Исархаддўннинг ўғли эди (шу бобнинг 2–оятига қаранг). Ўснапар милоддан олдинги 669-626 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган. Оссурия шоҳлари турли халқларни Самария ерларига кўчиртириб келиб ўрнаштирганлар (4 Шоҳлар 17:24-34 га қаранг).

4:24 *Форс шоҳи Доро ҳукмронлигининг иккинчи йилигача...* — милоддан олдинги 520 йил. Доро милоддан олдинги 522-486 йилларда ҳукмронлик қилган.

5:2 *Шалтиёл ўғли Зарубабел* — 3:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

5:2 *Ёҳузадах* — иброний матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўзадах*.

5:3 *Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* — 4:10 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

5:4 *Бинони қураётган одамларнинг исмларини айтишни талаб қилишди* — ёки *Яҳудий оқсоқоллари уларга бинони қураётган одамларнинг исмларини айтиб беришди*.

5:5 *шоҳ Доро* — 4:24 изоҳига қаранг.

5:11 *...Худонинг бу уйи...Исроилнинг улуғ бир шоҳи томонидан қуриб битказилган эди* — милоддан олдинги 960-953 йилларда шоҳ Сулаймон Қуддусдаги Маъбадни қурдирган эди (3 Шоҳлар 6:1, 38 оятларга ва 3 Шоҳлар 6:1 нинг биринчи изоҳига қаранг).

5:12 *...Худо уларни...Навухадназарнинг қўлига берди* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

5:13-14 *Бобил шоҳи Куруш* — форслар Бобил шоҳлигини босиб олганлари учун, Форс шоҳи Курушни Бобил шоҳи Куруш деб ҳам аташарди. 1:1 га ва ўша оятнинг

биринчи изоҳига қаранг.

5:13-14 *Яҳудонинг ҳокими* — 1:8 изоҳига қаранг.

5:16 *...Шашбаззар келиб, Худонинг Қуддусдаги уйи пойдеворини ётқиздирди* — аслида бу иш бевосита Зарубабел бошчилигида амалга оширилган эди (3:8-11 га ва Закариё 4:9 га қаранг). Лекин яҳудий оқсоқоллари, Маъбад пойдеворини Шашбаззар ётқизган, деб айтишарди. Чунки шоҳ Куруш Шашбаззарни Яҳудо ҳокими қилиб тайинлаган эди (шу бобнинг 14–оятига қаранг). Бу иш расман Шашбаззар ҳокимияти остида бажарилган эди.

6:1 *шоҳ Доро* — 4:24 изоҳига қаранг.

6:2 *ўрама қоғоз* — папирус ёки ошланган теридан қилинган узун ўралган қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар одатда ўрама қоғоз шаклида бўлган.

6:3 *Шоҳ Куруш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

6:3 *олтмиш тирсак* — тахминан 27 метрга тўғри келади.

6:5 *...Навухадназар...Бобилга олиб келган Худонинг уйига тегишли буюмлар...* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

6:6 *Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* — 4:10 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

6:14 *Артахшас* — 4:7 нинг биринчи изоҳига қаранг. Артахшас Маъбад қайта қурилгандан кейин ҳукмронлик қилган (шу бобнинг 15–оятига қаранг). Аммо у Эзра даврида Маъбад эҳтиёжлари ва сажда маросимлари учун маблағ ажратиб, расмий ёрдам кўрсатгани сабабли уни бу оятдаги шоҳлар рўйхатига қўшишган бўлиши мумкин (7:11-26 га қаранг).

6:15 *Адар ойи* — иброний календарининг ўн иккинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан февралнинг ўртасидан бошланади.

6:15 *шоҳ Доро ҳукмронлигининг олтинчи йили* — милоддан олдинги 515 йил.

6:17 *гуноҳ қурбонлиги* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

6:19 *биринчи ой* — милоддан олдинги 515 йилнинг биринчи ойи (шу бобнинг 15–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг). Иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

6:22 *Оссурия шоҳи* — Форс шоҳи Доро назарда тутилган. Форслар Бобил шоҳлигини забт этган эдилар. Оссурия шоҳлиги Бобил шоҳлиги таркибида бўлгани учун, бу оятда шоҳ Доро Оссурия шоҳи деб аталган.

7:1 *кўп йиллар* — тахминан 60 йил.

7:1 *Форс шоҳи Артахшас* — 4:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:1 *...ўғли...* — бу ўриндаги ибронийча сўз *авлоди* деган маънони ҳам бериши мумкин. Одатда Муқаддас Китобда берилган насабномаларда ҳамма наслларнинг тўлиқ рўйхати берилмай, фақат маълум бир авлоднинг маълум бир аждоддан келиб чиққани кўрсатилади.

7:6-7 *Шоҳ Артахшас ҳукмронлигининг еттинчи йили* — милоддан олдинги 458 йил. 4:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:8-9 *Биринчи ой* — иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан

мартнинг ўртасидан бошланади.

7:8-9 *бешинчи ой* — иброний календарининг Ав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июлнинг ўртасидан бошланади.

7:21 *Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* — 4:10 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

7:22 *200 пуд* — орамийча матнда *100 талант*, тахминан 3,4 тоннага тўғри келади.

7:22 *1000 тоғора* — орамийча матнда *100 кор*, тахминан 22 тоннага тўғри келади.

7:22 *200 кўза* — орамийча матнда *100 бат*, тахминан 2200 литрга тўғри келади (шу оятнинг давомида ҳам бор).

7:28 *мен* — 7:27-9:15 даги ҳамма воқеалар Эзра номидан, яъни биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинади.

8:1 *Шоҳ Артахшас* — 4:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

8:1 *мен* — яъни Эзра (7:28 изоҳига қаранг).

8:5 *Затту уруғидан — Яхазиёл ўғли Шаханиё…* — қадимий юнонча таржимадан (яна 2:8 га қаранг). Ибронийча матнда *Шаханиё уруғидан — Яхазиёл ўғли….*

8:10 *Баних уруғидан — Йўсифиё ўғли Шалумит…* — қадимий юнонча таржимадан (яна 2:10 га қаранг). Ибронийча матнда *Шалумит уруғидан — Йўсифиё ўғли….*

8:13 *Элифалет, Явиёл ва Шамаё…энг охирги бўлиб қайтиб келдилар* — ёки *Улар кейинроқ қайтиб келдилар*.

8:15 *Оҳабо шаҳри* — Бобил юртида жойлашган.

8:17 *Косифиё* — бу ер айнан қаерда жойлашгани маълум эмас. Сургундаги яҳудийлар Косифиёда яшашган ва у ерда ўзларига саждагоҳ барпо қилган бўлишлари мумкин.

8:18 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

8:26 *1400 пуд* — ибронийча матнда *650 талант*, тахминан 22 тоннага тўғри келади.

8:26 *200 пуд* — ибронийча матнда *100 талант*, тахминан 3,4 тоннага тўғри келади (шу оятнинг давомида ҳам бор).

8:27 *ярим пуд* — ибронийча матнда *1000 дарик*, тахминан 8,5 килога тўғри келади.

8:31 *Биринчи ой* — милоддан олдинги 458 йилнинг биринчи ойи. 7:6-9 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг.

8:36 *Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* — 4:10 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

9:1 *мен* — яъни Эзра (7:28 изоҳига қаранг).

9:8 *қуллигимиз* — улар ҳамон бошқа бир давлатга қарам бўлгани назарда тутилган.

10:6 *…Ёҳуханоннинг хонасига борди, тунни ўша ерда ўтказди. У…* — ёки *…Ёҳуханоннинг хонасига кетди. Ўша ерда бўлганда….*

10:9 *тўққизинчи ой* — милоддан олдинги 458 йилнинг тўққизинчи ойи (7:6-7 га ва ўша оятларнинг изоҳига қаранг). Иброний календарининг Хислав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан ноябрнинг ўртасидан бошланади.

10:16 *Ўнинчи ой* — милоддан олдинги 458 йилнинг ўнинчи ойи (7:6-7 га ва ўша оятларнинг изоҳига қаранг). Иброний календарининг Табат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

10:17 *биринчи ой* — иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

10:18 *Ёҳузадах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўзадах*.

10:37-38 *...ва Ясой. [38] Биннуй уруғидан — Шимах...* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *...Ясой, [38] Баних, Биннуй, Шимах....*

10:44 *Ўша аёллардан айримлари уларга фарзандлар ҳам туғиб берган эдилар* — ёки *Улар хотинлари билан ажрашиб, хотинларини болалари билан бирга жўнатиб юбордилар*.

НАХИМИЁ
КИТОБИ

Кириш

Мазкур китоб Форс шоҳи саройида хизмат қилган яҳудий амалдори Нахимиё номи билан аталган. Бу китобда баён қилинган воқеалар Эзра китобидаги воқеаларнинг давомидир. Нахимиё Қуддусга Эзрадан 13 йил кейин, Форс шоҳи Артахшас* ҳукмронлиги даврида, милоддан олдинги 445 йилда қайтиб келади.

Нахимиё шоҳнинг Шушандаги қалъасида яшаб юрган пайтда, Қуддус девори вайрон бўлганини, дарвозалари ёндирилганини эшитиб, қаттиқ қайғуради. У ибодат қилиб, Худодан: “Қуддусга боришимга, шаҳар деворларини қайта тиклашимга имконият бер”, деб сўрайди. Шоҳ Артахшас Нахимиёни Қуддусга жўнатади, ҳатто шаҳар деворларини таъмирлаш учун керакли ашёларни ҳам беради.

Нахимиё Қуддусга етиб келгандан кейин, шаҳар деворларини кўздан кўриб чиқади. Сўнг барча яҳудийларни йиғиб, таъмирлаш ишларини бошлаб юборади. Лекин атрофдаги қўшни халқлар яҳудийларни ҳақорат қилишади, Форс шоҳига қарши чиққан исёнчилар деб уларга айб қўйишади. Душманлар ҳатто Қуддусга ҳужум қилиб, Нахимиёни ўлдиришни ҳам режалаштиришади. Шунча қийинчиликларга қарамай, Нахимиё ва яҳудийлар Қуддус девори ва дарвозаларини қуриб битириб, Худога бағишлайдилар. Буларнинг ҳаммаси Худо Ўз халқига кўрсатган марҳаматининг ифодаси бўлади.

Нахимиё китоби Эски Аҳднинг тарихий қисмига якун ясайди. Эзра ва Нахимиё бошчилигида Исроил халқи Худо билан тузилган аҳдни янгилаб, Унга содиқ қолишга ваъда беради. Мазкур китоб Худонинг содиқлигидан далолат беради. Форс шоҳининг ёрдами билан таъмирланган Қуддус шаҳри асрлар давомида яҳудийларнинг сажда маркази бўлиб қолаверади.

1–БОБ

1 Қуйидагилар Хахалиё ўғли Нахимиёнинг хотираномасидир*.

Нахимиё Қуддус учун қайғуради

Шоҳ Артахшас ҳукмронлигининг йигирманчи йилида*, Хислав ойида* мен Шушандаги* қалъада эдим. 2 Шунда укам* Хонин бошқа баъзи одамлар билан Яҳудо юртидан келди. Мен улардан асирликка олиб кетилмаган ва сургундан қайтиб борган яҳудийларнинг ҳолини, шунингдек, Қуддус шаҳрининг аҳволини сўрадим. 3 Улар шундай жавоб бердилар: “Вилоятдаги* асирликка олиб кетилмаган ва сургундан қайтиб борган яҳудийлар оғир қайғу, шармандали аҳволда қолганлар: Қуддуснинг девори вайрон бўлиб кетган, дарвозалари ёндирилган.”

4 Бу сўзларни эшитганимда, ўтириб йиғладим. Бир неча кун қайғуриб юрдим. Рўза тутдим, Самовий Худога илтижо қилиб юрдим. Унга шундай деб ёлвордим:

5 “Эй Самовий Худо — Эгам! Сен буюк ва ҳайбатли Худосан. Сени севиб, амрларингга риоя қилган бандаларингга аҳдингни содиқ сақлайсан. 6 Мен, қулингнинг ибодатларини эшит, аҳволимга боқ. Исроил халқи учун кечаю кундуз қилган илтижоларимни эшит. Ахир, улар Сенинг қулларинг–ку. Мен

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

халқим қилган ҳамма гуноҳларни эътироф этаман. Мен ўзим ҳам,
хонадоним ҳам гуноҳ қилдик. 7 Қулинг Мусо орқали берган амрларингга,
фармонларингга, қонун–қоидаларингга биз риоя қилмадик, Сени қаттиқ
хафа қилдик.
8 Ёлвораман, қулинг Мусога берган ваъдангни* ёдингда тут. Ахир, Сен
шундай дегансан: «Агар сизлар Менга содиқ бўлмасангизлар, Мен сизларни
халқлар орасига тарқатиб юбораман. 9 Лекин Менга юз бурсангизлар,
амрларимга риоя қилиб, уларни бажарсангизлар, Мен сизларни йиғиб
оламан. Ернинг энг четига сургун қилинган бўлсангиз ҳам, сизларни ўша
жойлардан йиғиб келаман, Мен улуғланишим учун танланган жойга
сизларни қайтариб олиб келаман.»
10 Биз Сенинг қулларингмиз, буюк қудратинг ва ажойиботларинг билан
Ўзинг қутқарган халқингмиз. 11 Ё Раббий! Бу қулингнинг илтижоларини
эшит. Сени иззат–ҳурмат қилишни хуш кўрадиган ҳамма қулларингнинг
илтижоларига қулоқ тут. Мен, қулингга бугун муваффақият бер, шоҳ
Артахшасда менга нисбатан шафқат уйғотгин.”

Ўша пайтларда мен шоҳнинг соқийси* эдим.

2–БОБ

Нахимиё Қуддусга боради

1 Шоҳ Артахшас ҳукмронлигининг йигирманчи йили*, Нисон ойи* эди. Бир
куни шоҳга шароб келтирилди. Мен шаробни олиб кириб, унга узатдим. Шоҳ
қаршисида мен ҳеч қачон ғамгин аҳволда бўлмагандим. 2 Шунинг учун шоҳ
мендан сўради:
— Нега ғамгин кўринасан? Касалга ўхшамайсан–ку! Юрагингда бирор дардинг
бўлса керак–а?
Мен қаттиқ қўрқиб кетдим, 3 шунга қарамай шоҳга дедим:
— Шоҳ ҳазратларининг умрлари узоқ бўлсин. Ота–боболаримнинг қабрлари
жойлашган шаҳар ташландиқ бўлиб, ўша шаҳарнинг дарвозалари ёндириб
юборилса–ю, нега ғамгин бўлмайин?! — 4 Шоҳ мендан:
— Тилагинг нима? — деб сўради. Шунда мен Самовий Худога ибодат қилиб,
5 шоҳга шундай жавоб бердим:
— Агар шоҳ ҳазратлари маъқул топсалар, бу қулингиз шоҳ ҳазратларидан
марҳамат топган бўлса, мени Яҳудо юртига — ота–боболаримнинг қабрлари
жойлашган шаҳарга юборсалар, деб илтимос қилмоқчи эдим, токи мен у шаҳарни
қайтадан қурайин.
6 Малика ҳам шоҳнинг ёнида ўтирган эди. Шоҳ мендан:
— Қанча вақт йўл юрасан? Қачон қайтиб келасан? — деб сўради. Мен унга
қачон қайтиб келишимни айтдим. Шоҳ менга марҳамат қилиб, ижозат берди.
7 Сўнгра мен шоҳга яна дедим:
— Агар шоҳ ҳазратлари маъқул деб топсалар, Фурот дарёсининг ғарбидаги
вилоят* ҳокимларига мактублар ёзиб берилса, токи Яҳудога кириб боришим учун
улар менга ижозат беришсин. 8 Яна шоҳ ҳазратлари ўрмон қоровули Осифга ҳам
мактуб ёзиб, унга кўрсатмалар берсалар, у менга дарахтлар кесиб берсин. Маъбад
ёнидаги қалъа дарвозалари учун, шаҳар девори ва ўзим яшайдиган уй учун керак
бўладиган ёғоч билан у мени таъминласин.
Мен нима сўраган бўлсам, шоҳ ҳаммасига ижозат берди, чунки Худойимнинг

марҳамати менга ёр эди.
9 Шоҳ бир неча лашкарбошисини ва отлиқ сипоҳларини менга ҳамроҳ қилиб
жўнатди. Мен Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят ҳокимлари ҳузурига бориб,
уларга шоҳнинг мактубларини бердим. 10 Байт–Хўронлик Санбаллат* ва
Оммонлик малай Тўвиё: “Исроил халқининг манфаати учун жон куйдирадиган
биттаси келибди” деган гапни эшитиб, ғоят ғазабландилар.

Нахимиё Қуддус деворини кўздан кечиради

11 Шундай қилиб, мен Қуддусга етиб келдим. Орадан уч кун ўтгач, 12 тунда
ўрнимдан турдим, ёнимга бир нечта шерикларимни олиб, ташқарига чиқдим.
Лекин Қуддус ҳақидаги Худо кўнглимга солган режамни ҳеч кимга айтмадим. Мен
минган эшакдан бўлак бошқа бирорта ҳайвонни ўзимиз билан олмадик. 13 Мен
тунда Сойлик дарвозаси орқали шаҳардан чиқиб, Аждар булоғига*, у ердан Гўнг
дарвозасига бордим. Вайрон бўлиб ётган Қуддус деворини, ёниб кетган
дарвозаларини кўздан кечирдим. 14 Сўнгра Булоқ дарвозасига ва Шоҳ ҳовузига
бордим. Лекин миниб бораётган эшагим вайроналар орасидан йўл топа олмади.
15 Шу сабабдан мен Қидрон сойлигига* тушдим. Сойлик бўйлаб чиқиб бориб, ўша
ердан деворни кўздан кечиришда давом этдим. Сўнг ортимга қайтиб, Сойлик
дарвозаси орқали шаҳарга кирдим.
16 Қаерга борганимни, нима қилаётганимни шаҳар амалдорлари билмасдилар.
Мен яҳудийларга, руҳонийларга, йўлбошчиларга, амалдорларга ва ишда
қатнашадиган бошқа одамларга ҳали ҳеч гап айтмагандим. 17 Ниҳоят, энди уларга
шундай дедим: “Қанчалар кулфатда қолганимизни ўзларингиз кўриб
турибсизлар! Қуддус вайрон бўлиб ётибди, шаҳарнинг дарвозалари ёниб кетган.
Келинглар, шаҳар деворини қайтадан қурайлик, шармандали аҳволимиздан
қутулайлик.” 18 Худойимнинг марҳамати менга ёр бўлганини ва шоҳнинг менга
айтган гапларини уларга айтиб бердим. Улар: “Қурилишни бошлайлик”, дейишди.
Шундай қилиб, улар ишни бошлашга тайёр бўлдилар.
19 Байт–Хўронлик Санбаллат, Оммонлик малай Тўвиё ва Арабистонлик Гашим
буни эшитиб, бизнинг устимиздан кулдилар, нафрат билан шундай дедилар:
— Бу қилаётганларингиз нимаси?! Сизлар шоҳга қарши исён
кўтаряпсизларми?!
20 Мен уларга шундай жавоб бердим:
— Самовий Худо ишимизнинг барорини беради. Биз, Унинг қуллари, деворни
қайта қуришни бошлаймиз. Аммо сизлар бизга гапларингни ўтказа олмайсизлар,
қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Сизлар бизнинг диний маросимларимизда ҳам
қатнаша олмайсиз.

3–БОБ

Қуддус девори таъмирланади*

Қўй дарвозаси

1 Олий руҳоний Элиашаб қўли остидаги руҳонийлар билан ишга киришиб, Қўй
дарвозасини қайтадан қурдилар. Сўнгра дарвозани Худога бағишлаб,
дарвозанинг қанотларини ўрнатдилар. Миё* минорасидан Ханонил минорасигача
бўлган деворни ҳам Худога бағишладилар.
2 Ерихо шаҳридан бўлган эркаклар деворнинг кейинги қисмини қурдилар.
Улардан кейинги қисмини эса Имри ўғли Заккур қурди.

Балиқ дарвозаси

3 Хассано уруғи Балиқ дарвозасини қурди. Улар дарвозанинг ёндорларини
тиклаб, дарвоза қанотларини, зулфинларини, тамбаларини ўрнатдилар.
4 Деворнинг ундан кейинги қисмида Хаккўзнинг набираси, Уриёнинг ўғли
Миромўт таъмирлаш ишларини олиб борди.
Кейинги қисмида Машазавилнинг набираси, Бархиёнинг ўғли Машуллом,
ундан кейинги қисмида Бано ўғли Зодўх таъмирлаш ишларини олиб бордилар.
5 Кейинги қисмида Тахува шаҳридан бўлган эркаклар таъмирлаш ишларини
олиб бордилар. Лекин шаҳар зодагонлари қурилиш назоратчилари буюрган
ишлардан* бош тортдилар.

Яшоно дарвозаси

6 Посиёх ўғли Йўхадах ва Бесодаях ўғли Машуллом Яшоно дарвозасини*
таъмирладилар. Улар дарвозанинг ёндорларини тиклаб, дарвоза қанотларини,
зулфинларини, тамбаларини ўрнатдилар.
7 Деворнинг навбатдаги қисмида Гивонлик Малатиё, Миронўтлик Ёдўн,
шунингдек, Гивон ва Миспах аҳолисининг эркаклари таъмирлаш ишларини олиб
бордилар. Миспах шаҳри Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоятнинг* маъмурий
маркази эди.
8 Деворнинг кейинги қисмида заргарлардан бири Харҳиё ўғли Узиёл
таъмирлаш ишларини олиб борди. Унинг ёнида атторлардан бири Хананиё
таъмирлаш ишларини олиб борди. Улар Қуддус деворининг Кенг деворгача
бўлган қисмини таъмирладилар.
9 Деворнинг кейинги қисмида Хур ўғли Рафиё таъмирлаш ишларини олиб
борди. Рафиё Қуддус ҳудудининг ярмини бошқарувчи ҳоким эди.
10 Ундан кейин Харумаф ўғли Ёдиё ўз уйининг рўпарасидаги деворни
таъмирлади.
Деворнинг кейинги қисмида Хашавниё ўғли Хаттуш таъмирлаш ишларини
олиб борди.
11 Харим ўғли Малкиё ва Пахатмўаб ўғли Хашшуб деворнинг кейинги қисмини
ва Тандир минорасини таъмирладилар.
12 Деворнинг кейинги қисмида Халлохеш ўғли Шаллум ўз қизлари билан
таъмирлаш ишларини олиб борди. Шаллум Қуддус ҳудудининг иккинчи ярмини
бошқарувчи ҳоким эди.

Сойлик дарвозаси

13 Ханун бошчилигида Зонўвах аҳолиси Сойлик дарвозасини таъмирлади. Улар
дарвозани қуриб, дарвозанинг қанотларини, зулфинларини, тамбаларини
ўрнатишди, деворнинг минг тирсак* узунлигидаги Гўнг дарвозасигача бўлган
қисмини ҳам таъмирлашди.

Гўнг дарвозаси

14 Байт–Хакерем ҳудудининг ҳокими Рахав ўғли Малкиё Гўнг дарвозасини
таъмирлади. У дарвозани қуриб, дарвозанинг қанотларини, зулфинларини,
тамбаларини ўрнатди.

Булоқ дарвозаси

15 Миспах ҳудудининг ҳокими Холхози ўғли Шаллум Булоқ дарвозасини
таъмирлади. У дарвозани қуриб, устини ёпди ва дарвозанинг қанотларини,
зулфинларини, тамбаларини ўрнатди. Шунингдек, Силоам* ҳовузи ёнидаги
деворни ҳам қайтадан қурди. Деворнинг бу қисми шоҳнинг боғидан то Довуд
қалъасидан пастга кетган зинапоягача чўзилган эди.

16 Ундан кейин Озбук ўғли Нахимиё таъмирлаш ишларини олиб борди.
Нахимиё Байт–Зур ҳудудининг ярмини бошқарувчи ҳоким эди. У деворни Довуд
қабристонининг рўпарасигача — сунъий ҳовуз ва Жангчилар уйигача бўлган
қисмини таъмирлади.
17 Қуйидаги левилар деворнинг кейинги бир неча қисмларини қайтадан
қурдилар: Баних ўғли Рахум деворнинг кейинги қисмини қурди.
Кейлах ҳудудининг ярмини бошқарувчи ҳоким Хашавиё ўз ҳудуди номидан
деворнинг навбатдаги қисмини қурди.
18 Деворнинг ундан кейинги қисмини уларнинг биродарлари Ханадод ўғли
Биннуй* бошчилигида қуришди. Биннуй Кейлах ҳудудининг иккинчи ярмини
бошқарувчи ҳоким эди.
19 Кейинги қисмида Миспах шаҳри ҳокими Ешува ўғли Эйзар таъмирлаш
ишларини олиб борди. У аслаҳахонага чиқадиган йўлнинг рўпарасидаги деворни
ғишт тирговучигача* бўлган қисмини таъмирлади.
20 Заббай ўғли Борух деворнинг кейинги қисмини — ғишт тирговучидан олий
руҳоний Элиашабнинг уйи эшигигача бўлган қисмини таъмирлади.
21 Хаккўзнинг набираси, Уриё ўғли Миромўт* деворнинг кейинги қисмини —
Элиашаб уйининг эшиги рўпарасидан то уйнинг охиригача бўлган қисмини
таъмирлади.
22 Қуддус атрофида истиқомат қиладиган руҳонийлар деворнинг навбатдаги
қисмини таъмирладилар.
23 Улардан кейин Бенямин ва Хашшуб деворнинг ўз уйлари рўпарасидаги
қисмини таъмир қилдилар.
Улардан кейин Онониёҳнинг набираси, Масиёнинг ўғли Озариё ўз уйининг
рўпарасидаги қисмини таъмирлади.
24 Ханадод ўғли Биннуй* деворнинг кейинги қисмини — Озариёнинг уйидан
то деворнинг бурчагидаги ғишт тирговучигача бўлган қисмини таъмирлади.
25 Узай ўғли Полол деворнинг ғишт тирговучидан бошланган қисмини
таъмирлади. Деворнинг бу қисми соқчилар ҳовлиси ёнидаги шоҳнинг юқори
сарой минораси рўпарасида жойлашган эди.
Парўш ўғли Подиё 26 ва Офел тепалигида* истиқомат қилувчи Маъбад
хизматкорлари деворнинг кейинги қисмини таъмирладилар. Улар деворнинг
шарқ томонидаги Сув дарвозасигача ва баланд минорагача бўлган қисмини
таъмирладилар.
27 Тахувалик эркаклар* деворнинг кейинги қисмини таъмирладилар. Улар
баланд миноранинг рўпарасини то Офел деворигача таъмир қилдилар.

От дарвозаси

28 Руҳонийлар гуруҳи деворнинг От дарвозасидан тепаликка томон кетган
қисмини таъмирладилар. Ҳар бири ўз уйининг рўпарасини таъмир қилди.
29 Иммар ўғли Зодўх ўз уйининг рўпарасини таъмирлади.
Шаханиё ўғли Шамаё деворнинг кейинги қисмини таъмирлади. Шаханиё
Маъбаднинг Шарқий дарвозаси дарвозабони эди.
30 Шаламиё ўғли Хананиё ва Залафнинг олтинчи ўғли Ханун деворнинг
кейинги қисмини таъмирлади.
Бархиё ўғли Машуллом ўзининг уйи рўпарасини таъмирлади.
31 Заргарлардан бири Малкиё деворнинг бурчагидаги юқори хонагача бўлган
қисмини таъмирлади. Маъбад хизматкорларининг ва савдогарларнинг уйи шу
ерда — Назорат* дарвозаси ёнида жойлашган эди.
32 Деворнинг бурчакдаги юқори хонадан Қўй дарвозасигача бўлган қисмини

заргарлар ва савдогарлар таъмирладилар.

4–БОБ

Душманларнинг ниятини Худо пучга чиқаради

1 Санбаллат деворни қураётганимизни эшитди–ю, жаҳли чиқиб, қаттиқ
ғазабланди. Сўнг яҳудийларни масхаралай бошлади. 2 У шерикларининг ва
Самария лашкарбошиларининг олдида шундай деди: “Бу ожиз яҳудийлар нима
қиляптилар ўзи?! Ўзларича деворни таъмирламоқчиларми?! Бу ишни бир кунда
битириб, қурбонлик куйдиришни ҳам ўйлаяптилар, шекилли–а?! Ёниб битган
вайроналардан тошларга жон ато қилмоқчиларми?!” 3 Оммонлик Тўвиё
Санбаллатнинг ёнида эди. У ҳам шундай деди: “Улар қураётган бу девор устига
ҳатто тулки чиқса ҳам, девор қулаб тушади.”

4 Шунда мен ибодат қилиб дедим: “Эй Худойимиз! Бизларни қанчалик хор
қилишаётганини эшитиб қўй! Уларнинг масхаралашларини ўзларининг бошига
сол. Улар сургун бўлишсин, душманларига ўлжа бўлишсин. 5 Уларнинг
айбларидан ўтма, гуноҳларини унутма! Ахир, улар бинокорлар олдида Сени
ҳақорат қилдилар*.”

6 Биз деворни қуравердик, халқ чин дилдан ишлагани учун тез орада деворни
ярмигача кўтариб бўлдик.
7 Деворни таъмирлаш ишлари яхши кетиб, деворнинг ўпирилган жойлари
тиклана бошлаган эди. Санбаллат, Тўвиё, Арабистонликлар, Оммонликлар ва
Ашдодликлар* бу ҳақда эшитиб, қаттиқ ғазабландилар. 8 Ҳаммалари биргаликда
тил бириктириб, Қуддусга ҳужум қилишга ва шаҳарни саросимага солишга қасд
қилдилар. 9 Лекин биз Худойимизга илтижо қилдик, шаҳарни ва ўзимизни кечаю
кундуз улардан ҳимоя қилиш учун қўриқчилар тайинладик.
10 Яҳудо халқи эса шундай деб нола қилар эди:

Оғир юк ташувчиларнинг ҳоли қолмади,
Ахлатнинг–чи охири кўринмайди!
Бу деворни битиришга ҳеч кўзимиз етмайди.

11 Душманларимиз эса қуйидагича режа қилишарди: “Биз билдирмасдан,
кўринмай уларнинг устига бостириб борамиз–да, ҳаммаларини ўлдирамиз,
ишларини тўхтатамиз.” 12 Уларга қўшни бўлган яҳудийлар ҳам ҳар томондан ўн
мартача олдимизга келишди ва бизни шундай деб огоҳлантиришди: “Хавф остида
қолдингизлар. Яхшиси, бу жойдан чиқиб кетинглар, бориб, биз билан яшанглар.”*
13 Шунинг учун мен деворнинг энг паст жойлари орқасига, очиқ жойларига қилич,
найза ва ёй билан қуролланган одамларни уруғлари бўйича жойлаштирдим.
14 Кейин аҳволни кўриб, йўлбошчиларга, амалдорларга ва қолган халққа айтдим:
“Душманлардан қўрқманглар. Раббийни ёдингизда тутинглар. У қудратли ва
ҳайбатли Худодир. Қариндош–уруғларингизни, ўғил–қизларингизни,
хотинларингизни, уй–жойларингизни ҳимоя қилиш учун жанг қилинглар!”
15 Душманларимизнинг бизга қарши ўйлаган фитналаридан хабардор
эканимизни уларнинг ўзлари ҳам эшитишди. Уларнинг ниятини Худо пучга
чиқарган эди. Шундай қилиб, ҳаммамиз яна деворни таъмирлаш ишларига
қайтдик. Ҳар ким ўз ишига борди. 16-17 Ўша кундан бошлаб одамларимнинг* ярми
қурилишда ишлади, ярми эса совут кийиб, найза, қалқон ва ёй ушлаб, соқчилик

қилди. Йўлбошчилар деворни қураётган Яҳудо одамларининг ёнида ўз жойларини эгаллашди. Оғир юк ташувчилар бир қўли билан меҳнат қилиб, бир қўлида қурол ушлаб, ўз вазифаларини бажарардилар. 18 Девор қураётганларнинг ҳар бири ёнига қилич боғлаган ҳолда иш қилар эди. Бурғу чаладиган одам ҳам доим ёнимда эди. 19 Мен йўлбошчиларга, амалдорларга ва қолган халққа айтдим: “Ишимиз катта, орамиздаги масофа узоқ, шунинг учун девор бўйлаб бир–биримиздан йироқлашиб, ажралиб қолганмиз. 20 Бурғу овозини эшитишингиз биланоқ, бизга қўшилинглар. Худойимиз биз учун жанг қилади!”

21 Биз шу йўсинда меҳнат қилардик. Одамларнинг ярми эрта тонгдан осмонда юлдузлар кўрингунча найза ушлаб соқчилик қиларди. 22 Мен ўша пайтда одамларга шундай деб айтдим: “Сизлар ўз ёрдамчиларингиз билан тунни Қуддуснинг ичкарисида ўтказинглар. Тунда соқчилик қилинглар, кундузи эса ишланглар.” 23 Шундай қилиб, ҳеч биримиз — мен ҳам, қариндош–уруғларим ҳам, одамларим ҳам, ёнимдаги қўриқчилар ҳам, шу вақт давомида, ҳатто кечаси ҳам кийимларимизни ечмадик. Қуролларимиз доимо ёнимизда эди.

5–БОБ

Нахимиё камбағалларга ёрдам беради

1 Орадан бир оз вақт ўтгач, баъзи эркагу аёллар ўз яҳудий биродарларидан қаттиқ нолий бошлашди. 2 Улардан баъзилари шундай деб айтишарди: “Биз кўпчиликмиз, бола–чақамиз кўп. Бизга буғдой керак, бўлмаса очликдан ўлиб қоламиз.” 3 Бошқа баъзи бирлари эса шундай деб айтишарди: “Очарчилик пайтида донимиз бўлсин деб, далаларимизни, узумзорларимизни, уйларимизни гаровга беряпмиз.” 4 Яна бировлари шундай деб нолишарди: “Далаларимиз ва узумзорларимиз солиғини шоҳга тўлаш учун пулни қарзга оляпмиз. 5 Яҳудий биродарларимиздан бизнинг кам жойимиз йўқ! Уларнинг болалари бизнинг болаларимиздан ортиқ эмас. Лекин ўғил–қизларимизни қул, чўри қилиб сотишга мажбур бўляпмиз. Ҳа, қизларимиздан баъзилари чўри қилиб сотилди ҳам. Бу хусусда бирор нарса қилишга ожизмиз. Ахир, далаларимиз, узумзорларимиз энди бошқаларнинг қўлида.”

6 Уларнинг дод–фарёдларини, шикоятларини эшитиб, қаттиқ ғазабландим. 7 Бу тўғрида мулоҳаза қилиб, йўлбошчилар билан амалдорларни койидим: “Сизлар ҳали биродарларингизнинг гаровга қўйган мулкларини тортиб оляпсизларми?!” Сўнгра катта бир йиғин чақиртириб, йўлбошчиларга танбеҳ бердим: 8 “Бутпараст халқларга қул ва чўри қилиб сотилган яҳудий биродарларимизни имконимиз борича қайтариб сотиб олдик. Энди эса биродарларингизнинг қулликка сотилишига ўзларингиз сабабчи бўляпсизлар. Уларни биз яна қайтариб сотиб олишимиз керакми?!” Йўлбошчилар ва амалдорлар сукут сақлаб, миқ этмай туравердилар.

9 Мен гапимни давом эттирдим: “Бу ишингиз яхши эмас. Душманлик қилаётган халқларга масхара бўлмаслигингиз учун Худойимиздан қўрқиб юришларингиз керак эмасми?! 10 Мана, менинг яқинларим, одамларим, ҳатто ўзим ҳам яҳудий биродарларимизга қарзга пул ва буғдой бериб турибмиз. Келинглар, энди уларнинг гаровга қўйилган нарсаларини тортиб олмайлик! 11 Сизлар улардан тортиб олган далаларни, узумзорларни, зайтунзорларни, уйларни, фоиз қилиб олган пулларни, донни, шаробни, зайтун мойини ҳозироқ ўзларига қайтариб беринглар.”

12 Йўлбошчилар ва амалдорлар шундай дедилар: “Айтганларингизни қиламиз.

Биз уларнинг ҳамма нарсасини қайтариб берамиз, улардан энди ҳеч нарса талаб қилмаймиз.”

Мен руҳонийларни чақирдим, берган ваъдаларини бажаришлари учун йўлбошчилар ва амалдорларга қасам ичирдим. 13 Сўнг белбоғимни ечиб қоқдим–у* шундай дедим: “Шу ваъдани бажармаганни Худо худди шундай қилиб қоқиб юборсин. Уни уйидан ва мол–мулкидан маҳрум қилсин. Худо ўша одамларни қуп–қуруқ қолдирсин.” Бутун жамоа “Омин” деб, Эгамизга ҳамду санолар айтди. Йўлбошчилар ва амалдорлар берган ваъдаларида турдилар.

Нахимиёнинг фидойилиги

14 Мен Яҳудо юрти ҳокими этиб тайинланганим учун халқдан озиқ–овқат талаб қилиш ҳуқуқига эга эдим. Лекин ҳокимлигимнинг ўн икки йили давомида — Артахшас ҳукмронлигининг йигирманчи йилидан то ўттиз иккинчи йилигача* мен халқдан ўзим учун ҳам, қариндош–уруғларим учун ҳам ҳеч қандай озиқ–овқат талаб қилмадим. 15 Мендан олдинги ҳокимлар халқдан кунига қирқ кумуш танга* билан бирга озиқ–овқат ва шароб ҳам олиб, халқнинг елкасига миниб олган экан. Ҳатто ҳокимларнинг одамлари ҳам халққа ҳукмини ўтказардилар. Мен эса Худодан қўрққаним учун шундай қилмадим. 16 Бунинг ўрнига мен бутун кучимни деворни қайта қуришга бағишладим. Одамларимнинг ҳаммаси* таъмирлаш ишларига бел боғлаган эди. Ер сотиб олишга вақтимизни сарфлаб ўтирмадик.

17 Менинг дастурхонимдан ҳар куни 150 яҳудий ва уларнинг амалдорлари таом ердилар. Булардан ташқари, атрофдаги халқлардан келган меҳмонларнинг оёғи меникидан узилмас эди. 18 Ҳар кунги дастурхонимга битта буқа, олтита семиз қўй ва бир қанча товуқлар талаб қилинарди. Ҳар ўн кунда меш–меш турли хил шароб керак бўларди. Лекин халқ шусиз ҳам оғир солиқлар* остида қолиб кетганини билар эдим. Шу боис мен ҳоким сифатида талаб қилишга ҳақим бўлган озиқ–овқатдан воз кечдим.

19 Эй Худойим! Бу халқ учун қилган ҳамма ишларимни ёдингда тут, мендан марҳаматингни дариғ тутмагин.

6–БОБ

Нахимиёга қарши фитна

1 Санбаллат, Тўвиё, Арабистонлик Гашим ва бошқа душманларимиз деворни қуриб бўлганимни, деворда бironта ҳам ўпирилган жой қолмаганини эшитишди. Лекин дарвозаларнинг қанотларини ҳали ўрнаштириб бўлмаган эдим. 2 Шунда Санбаллат ва Гашим менга: “Кел, Онў текислигидаги* қишлоқлардан бирида* учрашайлик”, деб хабар жўнатишди. Лекин улар менга шикаст етказишга қасд қилаётган эдилар. 3 Шунинг учун уларга хабарчилар орқали шундай жавоб бердим: “Мен муҳим иш билан бандман, бора олмайман. Сизларнинг олдингизга кетсам, иш тўхтаб қолади!” 4 Улар менга тўрт марта шундай хабар жўнатишди, мен бир хил жавоб беравердим. 5 Бешинчи марта Санбаллатнинг одами қўлида очиқ мактуб билан келди. 6 Мактуб шундай ёзилган эди:

“Бошқа халқлар орасида шундай миш–мишлар юрибди, Гашим* ҳам ўша гапни айтяпти: сен ва яҳудийлар исён қилмоқчи бўлиб, деворни қураётган экансизлар. Хабарларга қараганда, сен яҳудийларнинг шоҳи бўлишни мўлжаллаётган экансан. 7 Сен Қуддусда пайғамбарлар тайинлабсан.

Пайғамбарлар: «Яҳудонинг шоҳи бор», деб сен тўғрингда башорат
қилишаётган экан. Бу гап–сўзлар албатта шоҳнинг қулоғига етиб боради.
Таклифим шуки, келгин, бу ҳақда маслаҳатлашиб олайлик.”

8 Мен унга шундай жавоб жўнатдим: “Айтганларингнинг ҳаммаси ёлғон.
Ҳаммасини ўзинг тўқиб чиқаргансан.” 9 Улар бизни қўрқитмоқчи бўлган, “Шундай
қилсак, уларнинг қўллари ишдан совийди, ишлари охирига етмай, қолиб кетади”,
деб ўйлаган эдилар. Шунинг учун мен: “Эй Худо, менга куч бер!” деб ёлвордим.
10 Бир куни мен Махитавалнинг набираси, Далоёнинг ўғли Шамаёникига
бордим. У уйига беркиниб олган экан. Шамаё менга шундай деди*:

Кел, Худонинг уйида учрашайлик,
Муқаддас хонасига кириб олайлик*,
Эшикларини беркитиб қўяйлик.
Ахир, душманларинг сени ўлдиргани келяптилар,
Шу кеча жонингга қасд қилмоқчи бўляптилар.

11 — Лекин мен шундай жавоб бердим:
— Менинг мартабамдаги одам бундай вазиятда қочармиди?! Муқаддас хонада
яшириниб олсам, жонимни ҳақиқатан ҳам қутқара оламан, деб ўйлаяпсизми?!
Муқаддас хонага ҳечам кирмайман!
12 Шамаёнинг сўзлари Худодан эмаслигини мен аниқ билдим. Тўвиё ва
Санбаллат Шамаёни ёллаганлари учун, у менга шу хабарни берган эди.
13 Уларнинг бундан мақсади мени қўрқитиш, айтганларини қилдириб, мени
гуноҳга ботириш эди. Шунда обрўйим тўкилиб, уларга мазах бўлиб қолардим.

14 Эй Худойим! Тўвиё билан Санбаллатнинг қилмишларини ёдингда тут.
Мени қўрқитмоқчи бўлган пайғамбар аёл Новадиёнинг ва бошқа
пайғамбарларнинг қилмишларини унутма, уларнинг жазосини бер.

Деворни таъмирлаш ишлари тугайди

15 Шундай қилиб, девор Элул ойининг* йигирма бешинчи куни — эллик икки
кунда битказилди. 16 Атрофдаги халқлардан бўлган душманларимиз буни
эшитиб, қўрқдилар, хижолатда қолдилар. Чунки бу иш Худойимизнинг мадади
билан қилинганини улар билдилар.
17 Эллик икки кун давомида Яҳудо йўлбошчилари ва Тўвиё бир–бирлари билан
мактуб ёзишиб турди. 18 Чунки Яҳудо юртидаги кўп одам Тўвиёга содиқ эди, бунга
икки сабаб бор эди: Тўвиёнинг қайнатаси Орах ўғли Шаханиё эди, Тўвиёнинг ўғли
Ёҳуханон эса Бархиё ўғли Машулломнинг* қизига уйланган эди. 19 Ўша одамлар
менинг олдимда Тўвиёнинг савоб ишларидан гапиришар, ўз навбатида менинг
гапларимни унга етказишар эди. Тўвиё эса мени қўрқитиш ниятида мактуб
жўнатарди.

7–БОБ

1 Девор қурилиб, мен дарвозаларнинг қанотларини ўрнаттириб бўлганимдан
кейин, Маъбад дарвозабонлари*, қўшиқчилар ва левилар тайинланди. 2 Мен
укам* Хонинни ва қалъа қўмондони Хананиёни Қуддус устидан ҳокимлар қилиб
тайинладим. Хананиё содиқ одам бўлиб, бошқаларга қараганда Худодан
қўрқарди. 3 Мен уларга шундай деб айтдим: “Кун иссиқ пайтида Қуддус
дарвозаларини очиқ қолдирманглар*. Ўша пайтда навбатчиликда турган

соқчилар дарвозаларни беркитиб, қулфлаб қўйсинлар. Қуддус аҳолиси орасидан ҳам қўриқчиларни тайинланглар. Уларнинг баъзилари махсус жойларни, бошқалари эса ўзларининг уйлари атрофини қўриқлашсин.”

Сургундан қайтиб келганларнинг рўйхати

4 Қуддус кенг, катта шаҳар эди. Лекин шаҳарда кўп одам яшамас, ҳали уйлар
кўп қурилмаган эди. 5 Шунда йўлбошчиларни, амалдорларни ва халқни тўплаб,
уруғлари бўйича рўйхат тузишни Худойим кўнглимга солди. Мен Яҳудога
сургундан биринчи бўлиб қайтиб келганларнинг* насабномаси рўйхатини
топдим. Насабнома китобида қуйидагилар ёзилган эди:

6-7 “Бобил шоҳи Навухадназар асир қилиб олиб кетган яҳудийларнинг*
бир қисми Қуддусга ва Яҳудо юртидаги ўз шаҳарларига қайтиб келиб,
ўрнашдилар. Улар Зарубабел, Ёшуа, Нахимиё, Озариё*, Рамиё, Нахамонах,
Мардохай, Билшон, Миспар, Биғвай, Нихум ва Банах бошчилигида қайтиб
келган эдилар.

Исроил уруғлари ота–боболари бўйича рўйхат қилинади

Сургундан қайтиб келган Исроил эркакларининг сони қуйидагича эди:

8 Парўш уруғидан — 2172 нафар эркак.
9 Шафатиё уруғидан — 372 нафар эркак.
10 Орах уруғидан — 652 нафар эркак.
11 Пахатмўаб, яъни Ешува ҳамда Йўаб уруғларидан — 2818 нафар эркак.
12 Элам уруғидан — 1254 нафар эркак.
13 Затту уруғидан — 845 нафар эркак.
14 Заккай уруғидан — 760 нафар эркак.
15 Биннуй уруғидан — 648 нафар эркак.
16 Бўвай уруғидан — 628 нафар эркак.
17 Озгад уруғидан — 2322 нафар эркак.
18 Одонихам уруғидан — 667 нафар эркак.
19 Биғвай уруғидан — 2067 нафар эркак.
20 Адин уруғидан — 655 нафар эркак.
21 Отер, яъни Ёхизқиё уруғидан — 98 нафар эркак.
22 Хашум уруғидан — 328 нафар эркак.
23 Безай уруғидан — 324 нафар эркак.
24 Хориф уруғидан — 112 нафар эркак.
25 Гивон уруғидан — 95 нафар эркак.

Исроил уруғлари ота–боболарининг шаҳарлари бўйича рўйхат қилинади

26 Таги Байтлаҳмлик ва Натуфолик — 188 нафар эркак.
27 Таги Онотўтлик — 128 нафар эркак.
28 Таги Байт–Озмобитлик — 42 нафар эркак.
29 Таги Хират–Йўримлик, Хафиралик ва Барўтлик — 743 нафар эркак.
30 Таги Рамалик ва Геболик — 621 нафар эркак.
31 Таги Михмашлик — 122 нафар эркак.
32 Таги Байтиллик ва Айлик — 223 нафар эркак.
33 Таги Наволик — 52 нафар эркак.
34 Таги Эламлик — 1254 нафар эркак.
35 Таги Харимлик — 320 нафар эркак.
36 Таги Ерихолик — 345 нафар эркак.
37 Таги Лўдлик, Ҳодидлик ва Онўлик — 721 нафар эркак.

38 Таги Санолик — 3930 нафар эркак.

Руҳонийлар уруғлари

39 Сургундан қайтиб келган руҳонийларнинг сони қуйидагича эди:

Ёшуа наслидан, аниқроғи Ёдиё уруғидан — 973 нафар эркак.
40 Иммар уруғидан — 1052 нафар эркак.
41 Пашхур уруғидан — 1247 нафар эркак.
42 Харим уруғидан — 1017 нафар эркак.

Левилар уруғлари

43 Сургундан қайтиб келган левилар уруғларининг сони қуйидагича эди:

Хўдаво наслидан бўлган Ешува, аниқроғи Кадмил уруғларидан — 74 нафар эркак.
44 Осиф уруғидан бўлган қўшиқчилар — 148 нафар эркак.
45 Шаллум, Отер, Талмўн, Оққув, Хатита ва Шўвай уруғларидан бўлган Маъбад дарвозабонлари — 138 нафар эркак.

Маъбад хизматкорлари уруғлари

46 Сургундан қайтиб келган Маъбад хизматкорларининг уруғлари қуйидагилар эди:

Зихо, Хасуфа, Таббайўт,
47 Керош, Сиё, Падўн,
48 Лавон, Хагава, Шалмай,
49 Ханон, Гиддол, Гахар,
50 Раё, Ратан, Накудо,
51 Ғаззом, Уззо, Посиёх,
52 Бесай, Муним, Нафусим,
53 Бобуҳ, Хакуфа, Хорхур,
54 Базулат, Махидо, Харша,
55 Боркис, Сисаро, Тамах,
56 Назиё, Хатифа.

Сулаймоннинг қароллари уруғлари

57 Сулаймон қаролларининг* сургундан қайтиб келган уруғлари қуйидагилар эди:

Сўтай, Сўфарат, Паридах,
58 Ялох, Дархун, Гиддол,
59 Шафатиё, Хаттил, Пахаратҳаззавойим, Омон.

60 Маъбад хизматкорлари ва Сулаймоннинг қароллари уруғларидан бўлганларнинг жами 392 киши эди.

Насл–насаби номаълум уруғлар

61-62 Қуйидагилар Тел–Малах, Тел–Харша, Харуб, Адўн ва Иммар шаҳарларидан келган эдилар:

Далоё, Тўвиё ва Накудо уруғлари — 642 киши.

Лекин булар ўзларининг уруғбошиси Исроил наслига мансублигини

исботлай олмасдилар.

63-64 Қуйидаги руҳонийлар уруғлари ҳам ўз насабномасини топа олмадилар: Хаваё, Хаккўз ва Борзулай уруғлари. (Борзулайнинг бобоси Гиладлик Борзулай деган одамнинг қизига уйланган бўлиб, бу уруғ ўша аёлнинг уруғи номи билан юритилар эди.) Шу сабабдан улар хизмат қилишга нопок ҳисобланиб, руҳонийликка қабул қилинмадилар. 65 Яҳудо ҳокими* уларга шундай деди: «Бирорта руҳоний Худодан Урим ва Туммим* орқали руҳоний эканлигингизни сўраб, тасдиқламагунча, сизлар назрларнинг руҳонийларга тегишли улушидан тановул қилмайсизлар.»

Сургундан қайтиб келган жамоанинг жами

66 Бу жамоа жами 42.360* кишидан иборат эди. 67 Булардан ташқари, қул ва чўрилари — 7337 киши, қул ва чўри қўшиқчилар 245 киши эди. 68 Жамоанинг 736 та оти, 245 та хачири, 69 435 та туяси, 6720 та эшаги бор эди.

70 Баъзи уруғбошилар қурилиш ишлари учун инъомлар бердилар. Ҳоким ҳам хазинага 1000 олтин танга*, 50 та тоғорача ва руҳонийлар учун 530 та кўйлак берди. 71 Баъзи уруғбошилар иншоот қурилиши учун хазинага 20.000 олтин танга*, 80 пуд* кумуш бердилар. 72 Қолган халқ жами 20.000 олтин танга, 75 пуд* кумуш ва руҳонийлар учун 67 та кўйлак бердилар. 73 (73a) Шундай қилиб, руҳонийлар, левилар, Маъбад дарвозабонлари, қўшиқчилар, Маъбад хизматкорлари ва халқнинг қолганлари ўз шаҳарларига бориб жойлашдилар.”

8–БОБ

Эзра халққа Тавротни ўқиб беради

(7:73b) Еттинчи ойда* Исроил халқи ўз шаҳарларида ўрнашиб олгандан кейин, 1 бутун халқ Сув дарвозаси олдидаги майдонда тўпланди. Улар тафсирчи Эзрага: “Исроил халқига Мусо орқали Эгамиз берган Тавротни олиб келинг”, деб айтдилар. 2 Шундай қилиб, еттинчи ойнинг* биринчи кунида руҳоний Эзра Тавротни жамоа олдига олиб келди. Эркагу аёл, эсини таниган ҳамма одам шу ерда эди. 3 Эзра Сув дарвозасининг олдидаги майдонда саҳардан пешингача жамоага Тавротни ўқиб берди. Жамики халқ диққат билан қулоқ солиб тинглади. 4 Тафсирчи Эзра йиғин учун тайёрланган баланд ёғоч супа устида турарди. Унинг ўнг томонида Маттитиё, Шама, Оноёҳ, Уриё, Хилқиё, Масиё ва чап томонида Подиё, Мишаил, Малкиё, Хашум, Хашбадданах, Закариё, Машуллом турар эдилар.

5 Эзра баланд супа устида тургани учун жамики халқ уни кўриб турар эди. У бутун халқнинг кўзи олдида Таврот китобини очди. Эзра китобни очганда, бутун халқ ўрнидан турди. 6 Сўнгра Эзра улуғвор Худо — Эгамизни олқишлади, жамики халқ қўлларини кўтариб, “Омин, Омин”, деди. Сўнг халқ икки букилиб, Эгамизга таъзим қилди.

7 Халқ жойида турар экан, левилар — Ешува, Баних, Шаравиё, Ёмин, Оққув, Шаббатай, Хўдиё, Масиё, Килит, Озариё, Йўзабад, Ханон ва Палиё халққа Тавротни тушунтирар эдилар. 8 Улар Худонинг Таврот китобидан ўқиб, ўқиганларини таржима қилиб берардилар*, Тавротнинг мазмунини тушунтирардилар, шунинг учун халқ ўқилганларни тушунди.

9 Бутун халқ Таврот сўзларини эшитганларида йиғлади. Лекин ҳоким Нахимиё*, руҳоний ва тафсирчи бўлган Эзра, шунингдек, халққа Тавротни тушунтирган левилар бутун жамоага айтдилар: “Бугунги кун Эгангиз Худога

бағишланган муқаддас кундир, шунинг учун қайғурманглар, йиғламанглар.”
10 Кейин Эзра* халққа деди: “Энди уйларингизга қайтиб боринглар, ёғли таомлар
еб, ширин шароб ичинглар. Ҳеч нарса тайёрламаганларга таомларингиздан
беринглар. Бугунги кун Раббимизга бағишланган муқаддас кундир. Бугун
қайғурманглар, ахир, Эгамиз туфайли топган севинчингиз нажот
қўрғонингиздир.” 11 Левилар ҳам жамики халққа: “Хотиржам бўлинглар, қайғуга
ботманглар, чунки бу кун муқаддасдир”, деб тасалли бердилар. 12 Жамики халқ
Тавротдан эшитган сўзларини англаб тушунганлари учун еб–ичгани, таом
улашиб, катта хурсандчилик қилгани уйларига кетишди.

Чайла байрами

13 Эртаси куни жамики халқнинг уруғбошилари, руҳонийлар ва левилар
Таврот сўзларини ўрганиш учун тафсирчи Эзранинг ҳузурига келишди. 14 Улар
Тавротни ўрганиб, Мусо орқали Эгамиз берган Чайла байрами ҳақидаги амрни
топдилар. Бу амрга кўра*, Исроил халқи еттинчи ойда* нишонланадиган Чайла
байрами кунларида чайлаларда яшашлари кераклигини билдилар. 15 Бундан
ташқари, Қуддусда ва Исроил халқининг ҳамма шаҳарларида қуйидагилар эълон
қилиниши кераклигини ҳам билиб олдилар: “Тавротда ёзилган кўрсатмаларга
мувофиқ, қирларга чиқинглар, чайлалар ясаш учун зайтун дарахти, мирта
бутаси*, пальма дарахтининг ва бошқа дарахтларнинг шох–шаббаларидан олиб
келинглар.” 16 Шундай қилиб, халқ бориб, шох–шаббалар олиб келди ва ўзлари
учун чайлалар ясашди. Улар чайлаларни уйларининг томларида*, ҳовлиларида,
Худонинг уйи ҳовлисида, Сув дарвозаси ёнидаги майдонда, Эфрайим дарвозаси
ёнидаги майдонда ясадилар. 17 Сургундан қайтган ҳамма одамлар чайлалар ясаб,
ўша чайлаларда яшадилар. Нун ўғли Ёшуа давридан бери Исроил халқи бундай
байрамни нишонламаган эди. Ҳамма ғоят хурсанд эди. 18 Эзра ҳар куни —
байрамнинг биринчи кунидан охирги кунигача Худонинг Таврот китобидан ўқиб
берди. Тавротда талаб қилинганидай, улар етти кун байрамни нишонладилар,
саккизинчи куни муқаддас йиғин бўлди.

9–БОБ

Халқ гуноҳлари учун тавба қилади

1 Еттинчи ойнинг* йигирма тўртинчи куни Исроил халқи яна йиғин қилди.
Улар қайғудан қаноргa ўраниб, бошларидан тупроқ сочиб, рўза тутдилар.
2 Исроил насли ўзларини ҳамма бегоналардан айириб олдилар, сўнг ўзларининг
ва ота–боболарининг гуноҳлари учун тавба қилдилар. 3 Улар тахминан уч соат
давомида тик туриб, Эгаси Худонинг Таврот китобидан ўқилган сўзларни
эшитдилар. Кейинги уч соат давомида эса тавба қилиб, Эгаси Худога сажда
қилдилар. 4 Ўша ерда левилар турадиган бир зина бор эди. Ешува, Баних, Кадмил,
Шабаниё, Бўнах, Шаравиё, Баних ва Ханонах ўша зинага чиқиб, Эгаси Худога
қаттиқ овозда илтижо қилдилар.

Левилар тавба–тазарру билан ибодат қиладилар

5 Сўнгра левилардан бўлган Ешува, Кадмил, Баних, Хашавниё, Шаравиё, Хўдиё,
Шабаниё ва Патихиё халққа даъват қилиб дедилар: “Энди туринглар, Эгангиз
Худони олқишланглар!” Левилар ҳамду сано ўқидилар:

> “Эй Эгамиз Худо! Сенга абадулабад ҳамду санолар бўлсин. Сенга
> муносиб ҳамду сано айтишга тилимиз ожиз бўлса–да, ҳамма Сенинг
> улуғвор номингни олқишласин.

6 Ёлғиз Сен Эгамиздирсан! Сен осмонни, беқиёс фалакни, ундаги ҳамма
самовий жисмларни, заминни, заминдаги ҳамма нарсани, денгизларни,
денгизлардаги ҳамма нарсани яратгансан. Уларнинг ҳаммасига жон ато
қилган Сенсан. Самодаги фаришталар Сенга сажда қилади.
7 Сен Парвардигор Эгамизсан. Сен Ибромни танлаб олдинг, уни
Халдейдаги Ур шаҳридан олиб чиқдинг, унга Иброҳим деб исм бердинг.
8 Унинг содиқлигига амин бўлдинг. Шунинг учун у билан аҳд қилиб,
дединг: «Сенинг наслларингга Канъон, Хет, Амор, Париз, Ёбус ва Гиргош
халқларининг юртларини бераман.» Сен аҳдингда турдинг, чунки Сен
содиқ Худосан.
9 Ота–боболаримизнинг Мисрдаги азоб–уқубатларини Ўзинг кўрдинг,
уларнинг Қизил денгизда* қилган дод–фарёдларини эшитдинг. 10 Сен
фиръавнга, унинг барча аъёнларига, Миср юртининг халқига қарши
аломату мўъжизалар кўрсатдинг. Чунки улар ота–боболаримизга нисбатан
сурбетларча иш тутганларини билардинг. Ўшанда қозонган довруғинг шу
кунгача сақланиб қолган. 11 Сен ота–боболаримизнинг кўз ўнгида денгизни
иккига бўлдинг, шу боис улар денгиз орқали қуруқ ердан ўтдилар. Уларни
таъқиб қилаётган Мисрликларни эса Сен денгиз қаърига улоқтирдинг.
Улар баҳайбат сувларга тошдай ғарқ бўлдилар. 12 Сен кундузи
ота–боболаримизни устун шаклидаги булут билан бошлаб бординг,
кечалари устун шаклидаги аланга билан уларнинг йўлларини ёритдинг.
13 Сен Синай тоғи узра келиб турдинг, самодан туриб уларга гапирдинг,
уларга адолатли қоидалар, тўғри қонунлар, яхши фармонлару амрлар
бердинг. 14 Сенга бағишланган Шаббат кунига риоя қилиш тўғрисида
уларга кўрсатмалар бердинг. Қулинг Мусо орқали уларга амрлар,
фармонлар, қонунлар бердинг.
15 Улар оч қолганларида, самодан нон бердинг, чанқаганларида қоядан
уларга сув чиқариб бердинг. Сен Канъон юртини уларга бераман, дея онт
ичган эдинг. Сўнг уларга, боринглар, ўша ерни мулк қилиб олинглар, деб
айтдинг. 16 Лекин ота–боболаримиз ўзларига бино қўйиб, ўжарлик
қилдилар, Сенинг амрларингга итоат этмадилар. 17-18 Улар Сенга итоат
этишдан бош тортдилар, уларнинг орасида кўрсатган мўъжизаларингни
эсга олмадилар. Шу қадар ўжарлик қилдиларки, Мисрдаги қулликка
қайтиб бориш учун ўзларига йўлбошчи тайинладилар. Лекин Сен
кечирадиган, иноятли, раҳмдил, жаҳли тез чиқмайдиган, содиқ севгиси мўл
Худосан. Бизнинг ота–боболаримиз ўзларига буқанинг тасвирини ясаб:
«Мана бизларни Мисрдан олиб чиққан худойимиз», деган эдилар. Шу
тариқа ўта шаккоклик қилган эдилар. Ҳатто ўшанда ҳам Сен
ота–боболаримизни тарк этмадинг.
19 Сен ғоят раҳмдил бўлганинг учун ота–боболаримизни саҳрода ташлаб
кетмадинг. Уларни кундузлари доим булут устуни билан йўлда бошлаб
бординг, кечалари юра олсин деб, доим аланга устуни билан йўлларини
ёритдинг. 20 Уларга ўгит берсин деб, эзгу Руҳингни бахш этдинг, уларнинг
оғзидан маннани* узмадинг, чанқоқлари босилсин деб, сув бердинг. 21 Сен
қирқ йил саҳрода уларга ғамхўрлик қилдинг, улар ҳеч нарсага муҳтожлик
сезмадилар, кийимлари тўзмади, оёқлари шишиб кетмади.
22 Сен уларга шоҳликлар ва халқлар устидан ғалаба ато қилдинг, қўлга
киритган ернинг ҳар бир парчасини тақсимлаб бердинг. Улар Хашбон шоҳи
Сихўннинг юртини*, Башан шоҳи Ўгнинг юртини мулк қилиб олдилар.

23 Сен уларнинг наслларини самодаги юлдузлар сингари кўпайтирдинг.
Ота–боболарига ваъда қилган юртга уларни олиб кирдинг. 24 Улар бориб,
Канъон юртини мулк қилиб олдилар. Сен уларга Канъон юрти аҳолисини
бўйсундириб бердинг, бу юртни шоҳларию маҳаллий халқлари билан
бирга уларнинг қўлларига бериб: «Буларга истаганингизни қилинглар»,
дединг. 25 Ота–боболаримиз мустаҳкам шаҳарларни, ҳосилдор ерларни
қўлга киритдилар, ажойиб буюмлар билан тўла уйларга, қазилган
сардобаларга, узумзорларга, зайтунзорларга, кўплаб мевали дарахтларга
эга бўлдилар. Еб тўйдилар, семирдилар, Сенинг улуғ марҳаматингдан
кўнгилларини чоғ қилдилар.

26 Лекин шунга қарамай, улар яна итоатсизлик қилиб, Сенга қарши бош
кўтардилар. Қонунларингни менсимадилар, «Эгамизга қайтинглар», деб
даъват қилган пайғамбарларингни ўлдирдилар. Ўтакетган шаккокликлар
қилдилар. 27 Шунинг учун Сен уларни душманлари қўлига бердинг,
душманлари уларга зулм ўтказдилар. Улар азоб тортганларида Сенга
илтижо қилишди, Сен уларнинг илтижоларини самодан туриб эшитдинг.
Буюк раҳм–шафқатинг туфайли уларга қутқарувчиларни юбординг.
Қутқарувчилар уларни душманлари қўлидан халос қилдилар. 28 Лекин
ҳаммаси яхши бўлгандан кейин, улар Сенинг олдингда яна қабиҳлик
қилишди. Сен уларни яна душманлари қўлига бериб, тарк этдинг.
Душманлари улар устидан ҳукмронлик қилишди. Ота–боболаримиз яна
Сенга юз буриб, илтижо қилганларида, самодан туриб уларнинг
илтижоларини эшитдинг. Сен раҳмдил бўлганинг учун кўп марталаб
уларга нажот бердинг.

29 Қонунларим бўйича олдингидай яшанглар, деб уларни
огоҳлантирдинг. Лекин улар ўзларига бино қўйиб, Сенинг амрларингга
итоат этмадилар. Гарчи қонун–қоидаларингга амал қилиш ҳаёт берса–да,
улар бу қонун–қоидаларингга қарши гуноҳ қилдилар, ўжарлик билан
қонун–қоидаларингдан юз ўгирдилар, итоат этишдан бош тортдилар.
30 Узоқ йиллар Сен уларга сабр–тоқат қилиб келдинг, Руҳинг ила
пайғамбарлар орқали халқингни огоҳлантириб келдинг. Лекин улар Сенга
қулоқ солмадилар. Шу сабабдан Сен уларни таслим қилиб, бегона
халқларнинг қўлига бердинг. 31 Аммо шундай бўлса ҳам, буюк
раҳм–шафқатинг туфайли Сен уларни қириб ташламадинг, уларни тарк
этмадинг, чунки Сен иноятли, раҳмдил Худосан!

32 Эй Худойимиз! Сен буюк, қудратли ва ҳайбатли Худосан! Сен аҳдингда
турасан, содиқ севгингни сақлайсан. Чеккан азоб–уқубатларимиздан кўз
юмма. Ахир, Оссурия шоҳлари давридан бугунгача шоҳларимиз,
йўлбошчиларимиз, руҳонийларимиз, пайғамбарларимиз,
ота–боболаримиз, бутун халқимиз бошига оғир азоб–уқубатлар тушди.
33 Сен бизни жазолаб тўғри қилдинг. Сен садоқат билан иш тутдинг, биз эса
қабиҳлик қилдик. 34 Шоҳларимиз, йўлбошчиларимиз, руҳонийларимиз,
ота–боболаримиз Сенинг қонунларингга риоя қилмадилар, Сен берган
амрларингга, огоҳлантиришларингга улар қулоқ солмадилар. 35 Ҳатто ўз
шоҳлигига эга бўлган пайтларида, Сен уларга буюк марҳамат кўрсатган
бўлсанг ҳам, улар Сенга хизмат қилмадилар. Сен уларга кенг, серҳосил бир
юрт бердинг, лекин улар қабиҳ ишларидан қайтмадилар.

36 Мана, бугун биз қулмиз! Сен ота–боболаримизга берган юртда биз қул
бўлиб яшаяпмиз. Сен эса бу юртни ота–боболаримизга меваларидан,

мўл–кўлчилигидан баҳраманд бўлсин деб бергансан. 37 Аммо гуноҳларимиз
оқибатида Сен бизни шоҳларга тобе қилиб қўйдинг. Юртимизнинг мўл
ҳосили ўшаларга кетади. Улар бизга ва чорвамизга хоҳлаган ишини
қилади. Эвоҳ, оғир кулфатда қолдик!”

Халқ Худога итоат этишга қарор қилади

38 Халқ қуйидагича қарор қилди:

“Бўлиб ўтган воқеалар туфайли биз ёзма равишда қатъий қарор
қиляпмиз. Йўлбошчиларимиз, левиларимиз ва руҳонийларимиз бу қарорга
муҳрларини босдилар.

10–БОБ

1 Хахалиё ўғли, ҳоким Нахимиё қарорни тасдиқлаб, муҳрлади. Зидқиё
ҳам қарорга муҳрини босди. Булардан ташқари, қарорни
муҳрлаганларнинг исмлари қуйидагичадир:

2 Сараё, Озариё, Еремиё,
3 Пашхур, Эмориё, Малкиё,
4 Хаттуш, Шабаниё, Маллух,
5 Харим, Миромўт, Ободиё,
6 Дониёр, Гинатой, Борух,
7 Машуллом, Абиё, Миёмин,
8 Мазиё, Билги, Шамаё.
Улар руҳонийлар эдилар.

9 Левилар:

Озаниё ўғли Ешува,
Ханадод уруғидан Биннуй,
Кадмил,
10 уларнинг шериклари:
Шабаниё, Хўдиё,
Килит, Палиё, Ханон,
11 Миха, Рехоб, Хашавиё,
12 Заккур, Шаравиё, Шабаниё,
13 Хўдиё, Баних, Банину.

14 Халқ йўлбошчилари:

Парўш, Пахатмўаб,
Элам, Затту, Баних,
15 Бўнах, Озгад, Бўвай,
16 Одониё, Биғвай, Адин,
17 Отер, Ёхизқиё, Аззур,
18 Хўдиё, Хашум, Безай,
19 Хориф, Онотўт, Набай,
20 Махпиёш, Машуллом, Хазир,
21 Машазавил, Зодўх, Ёддува,
22 Пилатиё, Ханон, Оноёҳ,
23 Хўшея, Хананиё, Хашшуб,

24 Халлохеш, Пилхо, Шўвех,
25 Рахум, Хашавно, Масиё,
26 Охиё, Ханон, Онон,
27 Маллух, Харим, Банах.

Қарор мазмуни

28 Биз, жамики Исроил халқи — руҳонийлар, левилар, Маъбад дарвозабонлари, қўшиқчилар, Маъбад хизматчилари ва Худонинг қонунига мувофиқ ўзларини маҳаллий халқлардан айирган ҳамма яҳудийлар хотинлари ва эсини таниган ўғил–қизлари билан бирга,
29 йўлбошчиларимиз қаторида онт ичамиз. Агар онтимизни бузсак, лаънати бўлайлик. Худо Ўз қули Мусо орқали берган қонунга биз амал қилиб яшаймиз. Эгамиз Раббийнинг амрларига, қонун–қоидаларига ва фармонларига риоя қиламиз.

30 Биз маҳаллий халқлар билан қуда–андачилик қилмаймиз.

31 Агар маҳаллий одамлар Шаббат куни ёки бошқа бирор муқаддас кунда сотиш учун дон ёки ҳар хил мол олиб келишса, улардан ҳеч нарса сотиб олмаймиз.

Биз ҳар еттинчи йили ерга ишлов бермасликка ва берган ҳамма қарзларимиздан воз кечиб юборишга ваъда қиламиз.

32 Бундан ташқари, шуни ваъда қиламизки, Худойимизнинг уйидаги сажда маросимлари эҳтиёжлари учун ҳар йили бир мисқол кумушни* топширамиз. 33 Бу пуллар қуйидаги нарсалар учун сарф қилинади: муқаддас нонлар учун, кундалик дон назрлари учун, кундалик куйдириладиган қурбонликлар учун, Шаббат кунида, янги ой шодиёнасида, ҳар йили ўтказиладиган байрамларда келтириладиган қурбонликлар, назрлар ва бошқа эҳсонлар учун, Исроил халқини поклаганда қилинадиган гуноҳ қурбонликлари учун, Худойимизнинг уйида қилинадиган бошқа сарф–харажатлар учун.

34 Биз қуръа ташлаб*, руҳонийлар, левилар ва халқнинг ҳар бир хонадони қай вақтда Худонинг уйи учун ўтин олиб келишлари кераклигини аниқлаб олдик. Сўнг шундай ваъда бердик: биз ҳар йили белгиланган пайтда ўтин олиб келамиз. Шу йўл билан Тавротда, Эгамиз Худонинг қурбонгоҳида доимо олов ёниб турсин, деб ёзилган амрни бажарамиз.

35 Биз ҳар йили еримизнинг биринчи ҳосилини ва ҳамма мевали дарахтларимизнинг биринчи ҳосилини Эгамизнинг уйига олиб келамиз, деб ваъда қиламиз. 36 Шунингдек, Тавротда ёзилганига мувофиқ, тўнғич ўғилларимизни, мол–қўйларимизнинг биринчи туғилганларини Худойимизга бағишлаймиз, деб ваъда қиламиз. Биз уларни Худойимизнинг уйида ўз вазифасини ўтаётган руҳонийларга олиб келамиз. 37 Руҳонийларга аталган маҳсулотларни Худойимизнинг уйидаги омборхоналарга олиб келамиз. Унимизнинг ва бошқа дон маҳсулотларимизнинг аълосини, меваларимизнинг аълосини, янги шароб ва зайтун мойимизнинг аълосини омборхоналарга олиб келамиз.

Биз еримизнинг ҳосилидан левиларга ушр* беришга ваъда қиламиз. Деҳқончилик билан машғул бўлган ҳамма шаҳарларимиздан левилар ушр йиғадилар. 38 Левилар ушрни олаётганларида, Ҳорун наслидан бўлган руҳоний уларнинг ёнида бўлади. Левилар ушрнинг ўндан бирини Худойимизнинг уйига олиб келиб, омборхоналарга жойлаштирадилар.

39 Хуллас, Исроил халқи ва левилар эҳсон қилган дон, шароб ва зайтун
мойларини Маъбаддаги омборларга олиб келишади. Бу омборхоналар ўз
вазифасини ўтаётган руҳонийлар, дарвозабонлар ва қўшиқчиларнинг
хоналари ёнида жойлашган бўлиб, у ерда Маъбад буюмлари ҳам сақланади.
Биз Худойимизнинг уйини қаровсиз қолдирмаймиз, деб ваъда
берамиз.”

11–БОБ

Қуддусда жойлашган халқ

1 Халқ йўлбошчилари Қуддусда ўрнашиб олдилар. Қолган халқ эса қуръа ташлади*, чунки ҳар ўнта хонадондан биттаси муқаддас Қуддус шаҳрига кўчиб бориши, қолган тўққизтаси бошқа шаҳарларда қолишлари керак эди. 2 Ўз хоҳиши билан Қуддусга кўчиб бормоқчи бўлганларнинг ҳаммасини халқ дуо қилди.

3-4 Шундай қилиб, Исроил халқининг кўпчилиги, руҳонийлар, левилар, Маъбад хизматчилари, Сулаймон қаролларининг авлодлари Яҳудо юртидаги бошқа шаҳарларда, ўзларининг мулкида яшаб қолдилар. Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан баъзилари эса Қуддусда қайтадан уй–жой қилдилар.

Қуддусда ўрнашиб олган вилоят* йўлбошчиларининг рўйхати қуйидагичадир:

Яҳудо қабиласидан:

Қуддусда Уззиё ўғли Отаёх ўрнашди. Отаёхнинг насабномаси
қуйидагича эди: Уззиё — Закариёнинг ўғли, Закариё — Эмориёнинг ўғли,
Эмориё — Шафатиёнинг ўғли, Шафатиё — Махалиёлнинг ўғли, Махалиёл
Параз наслидан эди.
5 Борух ўғли Масиё ҳам Қуддусда ўрнашди. Масиёнинг насабномаси
қуйидагича эди: Борух — Холхозининг ўғли, Холхози — Хазиёнинг ўғли,
Хазиё — Одаёнинг ўғли, Одаё — Йўхаривнинг ўғли, Йўхарив —
Закариёнинг ўғли, Закариё Шело наслидан эди.
6 Параз наслидан Қуддусда ҳаммаси бўлиб 468 нафар баҳодир жангчи
яшар эди.

7 Бенямин қабиласидан:

Қуддусда Машуллом ўғли Саллу ўрнашди. Саллунинг насабномаси
қуйидагича эди: Машуллом — Йўаднинг ўғли, Йўад — Подиёнинг ўғли,
Подиё — Хулаёнинг ўғли, Хулаё — Масиёнинг ўғли, Масиё — Ихтиёлнинг
ўғли, Ихтиёл — Ешаёнинг ўғли.
8 Саллунинг издошлари Габбой ва Саллой ҳам Қуддусда ўрнашдилар.
Бенямин наслидан Қуддусда ҳаммаси бўлиб 928 нафар одам яшар эди.
9 Уларнинг лашкарбошиси Зихри ўғли Йўэл эди, Хассинува ўғли Яҳудо эса
Йўэлнинг ўнг қўл ёрдамчиси эди.

10 Руҳонийлардан:

Қуддусда Йўхарив ўғли Ёдаё, Ёхин 11 ва олий руҳоний Сараё
ўрнашдилар. Сараёнинг насабномаси қуйидагича эди: Сараё — Хилқиёнинг
ўғли, Хилқиё — Машулломнинг ўғли, Машуллом — Зодўхнинг ўғли, Зодўх
— Маройўтнинг ўғли, Маройўт Охитобнинг ўғли эди. 12 Ёдаё, Ёхин ва

Сараёнинг Худо уйида хизмат қиладиган қариндош–уруғлари ҳаммаси бўлиб 822 нафар одам эди.

Ерохам ўғли Одаё ҳам Қуддусда ўрнашиб олди. Унинг насабномаси қуйидагича эди: Ерохам — Палалиёнинг ўғли, Палалиё — Омзининг ўғли, Омзи — Закариёнинг ўғли, Закариё — Пешхурнинг ўғли, Пешхур — Малкиёнинг ўғли. 13 Одаёнинг қариндош–уруғлари орасида ҳаммаси бўлиб 242 нафар уруғбоши бор эди.

Озариёл ўғли Эмашай ҳам Қуддусда ўрнашиб олди. Унинг насабномаси қуйидагича эди: Озариёл — Охзайнинг ўғли, Охзай — Машилламўтнинг ўғли, Машилламўт — Иммарнинг ўғли. 14 Эмашайнинг қариндош–уруғлари орасида ҳаммаси бўлиб 128 нафар ботир жангчи бор эди.

Руҳонийларнинг лашкарбошиси Хагдолим ўғли Забдиёл эди.

15 Левилардан:

Қуддусда Хашшуб ўғли Шамаё ўрнашди. Унинг насабномаси қуйидагича эди: Хашшуб — Озрикомнинг ўғли, Озриком — Хашавиёнинг ўғли, Хашавиё — Бўнахнинг ўғли.

16 Левиларнинг йўлбошчиларидан бўлган Шаббатай ва Йўзабад ҳам Қуддусда ўрнашиб олдилар. Уларнинг вазифаси Худонинг уйига қараш ва таъминотини назорат қилиш эди.

17 Миха ўғли Маттаниё ҳам Қуддусда ўрнашиб олди. Унинг насабномаси қуйидагича эди: Миха — Забдининг ўғли, Забди — Осифнинг ўғли. Маттаниё Маъбад қўшиқчиларини ҳамду сано айтишда бошқарар эди.

Маттаниёнинг ёрдамчиси Бобуҳё ва Шаммува ўғли Абдах Қуддусда ўрнашиб олдилар. Шаммува ўғли Абдахнинг насабномаси қуйидагича эди: Шаммува — Галолнинг ўғли, Галол — Ёдутуннинг ўғли.

18 Муқаддас шаҳар Қуддусда ҳаммаси бўлиб 284 нафар леви яшаган эди.

19 Маъбад дарвозабонларидан:

Оққув, Талмўн ва уларнинг қариндошлари Қуддусда ўрнашиб олдилар. Улар ҳаммаси бўлиб 172 киши эди.

20 Исроил халқининг, руҳонийларнинг ва левиларнинг қолганлари Яҳудо юртидаги шаҳарларда, ўзларининг мулкида истиқомат қилишарди. 21 Маъбад хизматкорлари эса Қуддусдаги Офел тепалигида* истиқомат қилишарди. Зихо ва Гишпо уларнинг устидан назоратчи эдилар.

22 Қуддусдаги левиларнинг назоратчиси Баних ўғли Уззи эди. Унинг насабномаси қуйидагича эди: Баних — Хашавиёнинг ўғли, Хашавиё — Маттаниёнинг ўғли, Маттаниё — Миханинг ўғли, Миха Осиф наслидан эди. Осиф насли Худо уйидаги хизматда қўшиқчилар учун масъул эди. 23 Шоҳ Довуднинг қўшиқчилар тўғрисида чиқарган фармонига кўра, қўшиқчилар ҳар куни моддий томондан таъминланар эди.

24 Машазавил ўғли Патихиё Форс шоҳининг Яҳудодаги вакили бўлиб, Исроил халқига оид ҳамма ишларга масъул эди. Патихиё Яҳудо ўғли Зерах наслидан эди.

Қуддусдан ташқарида яшаган халқ

25 Халқнинг кўпчилиги бошқа шаҳарларда ва ўша шаҳарлар атрофида яшар эдилар. Яҳудо қабиласидан бўлганлар қуйидаги жойларда истиқомат қилар эдилар:

Хират–Арба шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда,
Дибон шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда,
Ёхавзол шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда,
26 Ешува, Мўлодах, Байт–Палат ва 27 Хазор–Шувол шаҳарларида,
Бершеба шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда,
28 Зихлах шаҳрида,
Махуно шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда,
29 Эн–Риммон, Зорох, Ярмут, 30 Зонўвах, Адуллам шаҳарларида ва уларнинг
атрофидаги қишлоқларда,
Лахиш шаҳрида ва унинг атрофидаги далаларда,
Озикаҳ шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда.

Яҳудо қабиласи яшаган бу ерлар жанубдаги Бершебадан то шимолдаги Хиннум сойлигигача* чўзилган эди.
31 Бенямин қабиласидан бўлганлар қуйидаги жойларда истиқомат қилар эдилар:

Гебо, Михмаш ва Оя шаҳарларида,
Байтил шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда,
32 Онотўт, Нав, Онониёҳ, 33 Хазор, Рама, Гитайим, 34 Ҳодид, Завўм, Наваллот,
35 Лўд, Онў шаҳарларида ва
Ҳунармандлар* водийсида.

36 Яҳудо қабиласининг ҳудудида яшаган баъзи леви гуруҳлари ҳам Бенямин қабиласи орасида истиқомат қилиш учун юборилган эди.

12–БОБ

Руҳонийлар ва левилар рўйхати

1 Шалтиёл ўғли Зарубабел* ва Ёшуа билан бирга сургундан қайтиб келган руҳонийлар ҳамда левилар қуйидагилардир:

Руҳонийлар:

Сараё, Еремиё, Эзра,
2 Эмориё, Маллух, Хаттуш,
3 Шаханиё, Рахум, Миромўт,
4 Иддо, Гинатон*, Абиё,
5 Минёмин, Мўвадиё*, Билдах,
6 Шамаё, Йўхарив, Ёдаё,
7 Саллу, Омоқ, Хилқиё, Ёдаё.

Булар Ёшуа давридаги руҳонийларнинг ва руҳоний ҳамкорларининг етакчилари эдилар.

8 Левилар:

Ешува, Биннуй, Кадмил, Шаравиё, Яҳудо ва Маттаниё.

Маттаниё ва унинг ҳамкорлари шукрона мадҳиясини куйлайдиганлар учун масъул эдилар. 9 Бобуҳё, Унно ва уларнинг ҳамкорлари мадҳиянинг жўр бўлиб

айтилиши учун масъул эдилар.

Олий руҳоний Ёшуанинг авлодлари

10 Ёшуа — Йўйиқимнинг отаси, Йўйиқим — Элиашабнинг отаси, Элиашаб —
Йўхадахнинг отаси, 11 Йўхадах — Йўхаононнинг* отаси, Йўханон Ёддуванинг отаси
эди.

Руҳоний уруғбошилари

12 Олий руҳоний Йўйиқим даврида қуйидаги руҳонийлар уруғбошилар эдилар:

Сараё уруғидан — Мориё.
Еремиё уруғидан — Хананиё.
13 Эзра уруғидан — Машуллом.
Эмориё уруғидан — Ёҳуханон.
14 Маллух* уруғидан — Йўнатан.
Шаханиё* уруғидан — Юсуф.
15 Харим уруғидан — Адна.
Миромўт* уруғидан — Халкай.
16 Иддо уруғидан — Закариё.
Гинатон уруғидан — Машуллом.
17 Абиё уруғидан — Зикри.
Минёмин уруғидан ҳам бир уруғбоши бор эди.
Мўвадиё уруғидан — Пилтай.
18 Билдах уруғидан — Шаммува.
Шамаё уруғидан — Йўнатан.
19 Йўхарив уруғидан — Маттанай.
Ёдаё уруғидан — Уззи.
20 Саллу* уруғидан — Каллой.
Омоқ уруғидан — Ибир.
21 Хилқиё уруғидан — Хашавиё.
Ёдаё уруғидан — Натанил.

Левилар уруғбошилари

22 Олий руҳонийлар Элиашаб, Йўхадах, Йўханон ва Ёддува даврларида левилар
рўйхатда ўз уруғбошилари номи билан қайд этилганлар. Форс шоҳи Доро*
ҳукмронлиги даврида эса рўйхатга олишнинг бундай усули руҳонийларга
нисбатан қўлланилган эди. 23 Олий руҳоний Элиашаб невараси* Йўханон
давригача “Тарих китоби”даги рўйхатларда левилар ўз уруғбошилари номлари
бўйича ёзилганлар.
24-25 Қуйидагилар левиларнинг уруғбошилари эдилар:

Хашавиё, Шаравиё, Ешува, Биннуй, Кадмил* ва уларнинг ҳамкорлари
Маттаниё, Бобуҳё ва Ободиё. Худонинг одами Довуд берган фармонга
кўра, улар Худога ҳамду сано ва шукрона айтаётганларида, икки гуруҳга
бўлиниб, бир–бирларига рўпарама–рўпара туриб, куйлар эдилар.
Машуллом, Талмўн ва Оққув Маъбад дарвозабонлари эдилар. Улар
Эгамизнинг уйи дарвозалари ёнидаги омборхоналарни қўриқлар
эдилар.

26 Бу одамлар олий руҳоний Йўйиқим, ҳоким Нахимиё, руҳоний ҳамда
тафсирчи Эзранинг замондошлари эдилар. Олий руҳоний Йўйиқим — Ёшуанинг
ўғли, Ёҳузадахнинг* набираси эди.

Нахимиё шаҳар деворини Худога бағишлайди

27 Қуддуснинг янги девори Худога бағишланаётганда Яҳудо юртидаги ҳамма
левилар чақирилди. Улар хурсандчилик пайтида шукрона қўшиқлар куйлаб, зил,
арфа, чанг чалиб, маросимда иштирок этишлари керак эдилар. 28-29 Леви
қўшиқчилари Қуддус атрофидаги қишлоқлардан йиғилиб келдилар. Қуддус
атрофидаги ўша қишлоқларни левилар ўзлари учун қурган эдилар. Натуфо,
Байт–Гилгал, Гебо ва Озмобит шаҳарларининг атрофидаги қишлоқларда
яшайдиган левилар ҳам йиғилиб келдилар. 30 Руҳонийлар ва левилар ўзларини
покладилар, сўнгра халқни, Қуддус дарвозаларини ва деворини покладилар.
31 Кейин мен* Яҳудо йўлбошчиларини девор устига чиқардим. Худога шукрона
айтадиган иккита катта гуруҳ қўшиқчиларни тайинладим. Қўшиқчиларнинг бир
гуруҳи девор устида жанубга — Гўнг дарвозаси томонга* тантана билан юрди.
32 Ҳўшайё Яҳудо йўлбошчиларининг ярмини эргаштириб, биринчи гуруҳ
қўшиқчиларнинг орқасидан борди. 33-35 Уларнинг орқасидан эса қуйидаги
руҳонийлар карнайлар чалиб бордилар: Озариё, Эзра, Машуллом, Яҳудо, Бенямин,
Шамаё ва Еремиё. Уларнинг кетидан Йўнатан ўғли Закариё борди. Закариёнинг
насабномаси қуйидагича эди: Йўнатан — Шамаёнинг ўғли, Шамаё —
Маттаниёнинг ўғли, Маттаниё — Михиёнинг ўғли, Михиё — Заккурнинг ўғли,
Заккур Осаф наслидан эди. 36 Закариёнинг ёнида унинг ҳамкорлари — Шамаё,
Озариёл, Милалай, Жилалай, Май, Натанил, Яҳудо, Хонинни бор эдилар. Улар
Худонинг одами шоҳ Довуднинг кўрсатмасига биноан мусиқа асбобларини
кўтариб борардилар. Тафсирчи Эзра биринчи гуруҳ қўшиқчиларининг орқасидан
бораётганларни бошлаб борди. 37 Улар Булоқ дарвозасидан Довуд қалъасига олиб
борадиган зинапоя орқали тўғрига юрдилар. Довуднинг саройидан ўтиб, шарқ
томондаги Сув дарвозасига кетдилар.
38 Худога шукрона айтаётган иккинчи гуруҳ қўшиқчилар деворнинг устида
шимол томонга кетдилар. Мен Яҳудо йўлбошчиларининг ярмини бошлаб,
иккинчи гуруҳ қўшиқчиларнинг ортидан кетдим. Биз Тандир дарвозасидан, Кенг
деворидан, 39 Эфрайим дарвозасидан, Яшоно дарвозасидан*, Балиқ дарвозасидан,
Ханонил минорасидан, Юз минорасидан ва Қўй дарвозасидан ўтдик. Ниҳоят,
Қўриқчи дарвозаси ёнидаги манзилга етиб бордик. 40 Шундай қилиб, Худога
шукрона айтган иккала гуруҳ Худонинг уйи олдида тўхтади.
Ёнимдаги йўлбошчилар билан бирга, 41 қуйидаги руҳонийлар ҳам карнай
чалиб, иккинчи гуруҳ қўшиқчилар ортидан юрдилар: Элияқим, Масиё, Минёмин,
Михиё, Элиёнай, Закариё ва Ханониё. 42 Уларнинг кетидан Масиё, Шамаё, Элазар,
Уззи, Ёҳуханон, Малкиё, Элам ва Эйзар боргандилар. Қўшиқчилар ўзларининг
йўлбошчиси Йизрахиё бошчилигида куйлагандилар.
43 Ўша куни халқ кўп қурбонликлар келтириб, хурсандчилик қилишди, чунки
Худо уларга кўп шод–хуррамлик ато қилган эди. Аёллар ва болалар ҳам хурсанд
эдилар. Қуддусдаги шодлик садолари узоқлардан эшитилиб турарди.

Маъбаддаги хизматчилар учун назр ва ушрлар

44 Ўша куни Маъбаддаги омборхоналар устидан одамлар тайинланди.
Омборхоналарда ҳадялар, биринчи ҳосилдан келтирилган назрлар ва ушрлар*
сақланар эди. Тайинланган одамлар, қонунга кўра, шаҳарлар атрофидаги
далалардан руҳонийлар ва левилар учун ушрларни йиғиб, омборхоналарга олиб
келишлари керак эди. Чунки Яҳудо халқи руҳонийлар ва левиларнинг хизматини
қадрлар эди. 45 Руҳонийлар, левилар поклаш маросимларини ва Худо тайин этган
бошқа маросимларни бажарар эдилар. Қўшиқчилар ва дарвозабонлар ҳам, улар
қаторида, шоҳ Довуд ва унинг ўғли Сулаймондан қолган фармонга мувофиқ,

Маъбадда хизмат қилар эдилар. 46 Дарвоқе, қўшиқчиларга бошловчи тайинлаб,
Худога ҳамду сано ва шукроналар айтиш одати азалдан — Довуд ва Осиф
давридан бошланган эди. 47 Зарубабел даврида ҳам, Нахимиё* даврида ҳам бутун
Исроил халқи қўшиқчилар ва Маъбад дарвозабонлари учун кундалик улушларни
берарди. Улар левилар учун ҳам улуш ажратишарди, левилар эса руҳонийларнинг
улушини ажратиб беришар эди.

13–БОБ

Исроил халқи бегона насллардан ажралади

1 Ўша куни халққа Мусонинг китобидан ўқиб берилди. У ерда шундай ёзилган
экан*: “Оммонликлар ва Мўабликлар Худонинг жамоасига киролмайди, 2 чунки
Исроил халқи Мисрдан чиққанда, Оммонликлар ва Мўабликлар уларни нон ва сув
билан кутиб олмадилар. Аксинча, Исроил халқини лаънатлаш учун Баломни
ёлладилар*. Лекин Худойимиз лаънатни дуога айлантирди.” 3 Исроил халқи
Таврот сўзларини эшитгач, Исроил жамоасидан ҳамма бегона наслларни чиқариб
юборди.

Нахимиёнинг ислоҳотлари

*Нахимиё Маъбад хизматкорларининг таъминоти тўғрисида қоидалар жорий
қилади*

4 Бу воқеа Қуддус девори бағишланишидан анча олдин содир бўлган эди. Ўша
вақтда Тўвиёнинг* қариндоши Элиашаб Худойимизнинг уйидаги омборхоналар
учун масъул эди. 5 Элиашаб Тўвиё учун Маъбадга қарашли катта бир хонани
бўшатиб берибди. Илгари бу хонада назр қилинган дон, хушбўй тутатқилар ва
Маъбад буюмлари сақланарди. Эгамиз берган амрга мувофиқ, левиларга,
қўшиқчиларга, Маъбад дарвозабонларига аталган дон, шароб, зайтун мойи
ушрлари* ва руҳонийларга аталган назрлар ҳам ўша хонада сақланарди.
6 Бу ишлар содир бўлганда, мен* Қуддусда эмасдим. Бобил шоҳи Артахшас
ҳукмронлигининг ўттиз иккинчи йилида* мен шоҳ ҳузурига кетган эдим. Маълум
вақт ўтгач, шоҳдан ижозат сўраб, 7 Қуддусга қайтиб келдим. Шундагина
Элиашабнинг қилган бу расво ишидан хабардор бўлдим. У Тўвиёга Худонинг
уйидаги бир хонани ажратиб берибди–я! 8 Мен қаттиқ ғазабланиб, Тўвиёнинг
барча уй жиҳозларини хонадан улоқтириб ташладим. 9 Сўнг, омборхоналар
поклансин, деб буйруқ бердим. Омборхоналар поклангач, Худонинг уйи
буюмларини, дон назрларини ва хушбўй тутатқиларни ўз жойига қайтариб
қўйдирдим.
10 Шунингдек, левиларга ҳосилнинг ўзларига тегишли улушлари
берилмаганини ҳам билиб қолдим. Шу сабабдан Маъбадда хизмат қилиб юрган
левилар ва қўшиқчилар ўзларининг далаларига қайтиб кетишган экан.
11 Йўлбошчиларга: “Нима учун Худонинг уйини ўз ҳолига ташлаб қўйдингизлар?!”
деб танбеҳ бердим. Левилар ва қўшиқчиларни тўплаб, ҳаммаларини ўз
вазифаларига қўйдим. 12 Шундан кейин жамики Яҳудо халқи дон, шароб, зайтун
мойи ушрларини Маъбад омборхоналарига олиб келишди. 13 Руҳоний
Шаламиёни, котиб Зодўхни ва левилардан Подиёни омборхоналарга масъул
қилиб тайинладим. Маттаниёнинг набираси Заккур ўғли Ханонни уларнинг
ёрдамчиси қилиб тайинладим. Улар ишончли одамлар бўлиб, вазифалари
биродарларига улушни тақсимлашдан иборат эди.

14 Эй Худойим! Қилган бу ишларимни ёдингда тут, мендан марҳаматингни

дариғ тутмагин. Сенинг уйинг учун ва уйингда ўтказиладиган сажда маросимлари учун садоқат билан қилган савоб ишларимни унутма.

Нахимиё Шаббат қоидаларини жорий қилади

15 Ўша вақтда мен Шаббат кунлари узум эзаётган яҳудийларни* кўрардим. Уюм–уюм дон, шароб, узум, анжир ва ҳар хил юкларни олиб келаётганларни кузатар эдим. Улар бу нарсаларни эшакларга юклаб, Шаббат куни Қуддусга олиб келишар эди. Улар ўз маҳсулотларини сотаётганларида, мен уларни огоҳлантириб, бундай ишларни Шаббат куни қилманглар, деб айтардим.
16 Қуддусда яшаётган Тирликлар* ҳам балиқ ва ҳар хил маҳсулотларни олиб келиб, ўшаларни Шаббат куни Яҳудо халқига Қуддусда сотаётган эдилар. 17 Мен Яҳудо йўлбошчиларига танбеҳ бердим: “Бу қилаётганларингиз қабиҳлик–ку! Ахир, Шаббат кунини булғаяпсизлар! 18 Худо бизни ва бу шаҳарни ота–боболаримизнинг худди шундай қабиҳлиги учун жазолаган эди–ку! Энди эса сизлар Шаббат кунини булғаб, халқимизнинг бошига Худонинг қаҳр–ғазабини янада кўпроқ олиб келяпсизлар.”
19 Шунда мен буйруқ бердим: “Шаббатдан олдин оқшом тушиши биланоқ* Қуддус дарвозалари ёпилсин, Шаббат тугамагунча очилмасин.” Шаббат куни бирортаси юк олиб чиқмаслиги учун дарвоза олдига одамларимдан* баъзиларини ўтқазиб қўйдим. 20 Шунда савдогарлар ва ҳар хил маҳсулотларни сотувчилар тунни бир–икки марта Қуддусдан ташқарида ўтказдилар. 21 Мен уларни огоҳлантириб, шундай дедим: “Нега сизлар тунни девор ортида ўтказасизлар?! Агар яна шундай қилсангиз, сизларни қамайман.” Ўшандан кейин улар Шаббат куни келмай қўйдилар. 22 Сўнгра мен левиларга, ўзларингизни поклаб келиб, Шаббат кунини муқаддас сақлаш учун шаҳар дарвозаларини қўриқланглар, деб буйруқ бердим.

Эй Худойим! Қилган бу ишларимни ҳам ёдингда тут, мендан марҳаматингни дариғ тутмагин. Буюк содиқ севгинг ҳақи менга шафқат қил.

Нахимиё бегона халқлар билан қуда–андачилик қилишни ман этади

23 Ўша кунларда Ашдодлик*, Оммонлик ва Мўаблик аёлларга уйланган яҳудийлар ҳақида хабар топган эдим. 24 Болаларининг ярми иброний тилида гаплашишни билмасдилар, Ашдод тилида ёки бошқа тилда сўзлашардилар.
25-27 Шунинг учун мен уларга танбеҳ бердим, уларни лаънатладим, баъзиларини урдим, сочларини юлдим. Уларга шундай дедим: “Ҳатто Исроил шоҳи Сулаймон бундай аёлларга уйланиб, гуноҳ қилган эди! Бир ўйлаб кўринглар! Халқлар орасида Сулаймонга ўхшаган шоҳ йўқ эди. Худо уни яхши кўриб, уни бутун Исроил устидан шоҳ қилган эди. Шунга қарамай, бутпараст аёллар уни гуноҳга бошладилар. Мана энди сизлар ҳам худди шундай гуноҳга қўл урганингизни эшитиб турибман! Сизлар Худога қарши ўтакетган қабиҳлик қиляпсизлар! Бутпараст аёлларга уйланиб, Худога хиёнат қиляпсизлар!” Мен Худонинг номини ўртага қўйиб: “Биз бу ердаги бегона халқлар билан қуда–андачилик қилмаймиз”, деб уларга қасам ичдирдим.
28 Йўхадах олий руҳоний Элиашабнинг ўғли эди. Йўхадахнинг ўғилларидан бири Байт–Хўронлик Санбаллатнинг* қизига уйланган эди. Йўхадахнинг ўша ўғлини олдимдан ҳайдаб юбордим.

29 Эй Худойим! Бу учала одамнинг қилмишини ёдингда тут, уларнинг жазосини бер. Ахир, улар руҳонийликни булғадилар*, Сен руҳонийлар ва

левилар билан тузган аҳдни* буздилар.

Нахимиёнинг сўнгги ислоҳотлари

30 Шундай қилиб, мен халқни бегоналарнинг таъсиридан покладим.
Руҳонийлар ва левиларнинг бурчларини, ҳар бирининг вазифасини белгилаб
бердим. 31 Қурбонликларни куйдириш учун ўтинларни ўз вақтида олиб келишни
ва биринчи ҳосилдан руҳонийлар учун назрларни олиб келишни йўлга қўйдим.

Эй Худойим! Қилган ишларимни ёдингда тут, мендан марҳаматингни
дариғ тутмагин.

ИЗОҲЛАР

Форс шоҳи Артахшас — Артаксеркс исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 465-424 йилларда ҳукмронлик қилган.

1:1 *Қуйидагилар…Нахимиёнинг хотираномасидир* — китобнинг аксарият қисми Нахимиё томонидан, яъни биринчи шахс тилидан ҳикоя қилинган (1:1-7:73, 12:27-43, 13:1-31), китобда учинчи шахсдан баён қилинган айрим парчаларнигина учратишимиз мумкин (8:1-12:26, 12:44-47).

1:1 *Шоҳ Артахшас ҳукмронлигининг йигирманчи йили* — милоддан олдинги 445 йил. Артаксеркс исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 465-424 йилларда Форс шоҳлигида ҳукмронлик қилган.

1:1 *Хислав ойи* — иброний календарининг тўққизинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан ноябрнинг ўртасидан бошланади.

1:1 *Шушан* — Элам вилоятининг пойтахти бўлиб, Бобилдан шарқда жойлашган эди. Шушан қалъаси Форс шоҳларининг қишки қароргоҳи эди.

1:2 *укам* — ёки *акам*.

1:3 *Вилоят* — Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят назарда тутилган. 2:7 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

1:8 *қулинг Мусога берган ваъданг* — Қонунлар 30:1-4 га қаранг. Шу бобнинг 8-9–оятларидаги Нахимиёнинг илтижоси Қонунлар китобида Худо берган ваъданинг айнан кўчирмаси эмас, балки ўзгартирилган ифодасидир.

1:11 *шоҳнинг соқийси* — шоҳга ўз қўли билан шароб қуядиган, саройда юқори мартабага эга бўлган, ишончга лойиқ аъён. Шунингдек, у шоҳ учун шароб танлаши ва уни татиб кўриб, заҳарли эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак эди.

2:1 *Шоҳ Артахшас ҳукмронлигининг йигирманчи йили* — 1:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

2:1 *Нисон ойи* — иброний календарининг биринчи ойи (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

2:7 *Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* — Форс шоҳлигига қарашли бўлган катта бир вилоят. Бу вилоят Фурот дарёси билан Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган бўлиб, Яҳудо юртини ҳам ўз ичига олган эди.

2:10 *Байт–Хўронлик Санбаллат* — Форс шоҳлигига қарашли бўлган Самария вилоятининг ҳокими. Қуддусдан қарийб 20 километр шимоли–шарқда жойлашган Байт–Хўрон шаҳри, Қуддусга олиб борадиган асосий йўлни душманлардан муҳофаза қилар эди.

2:13 *Аждар булоғи* — ёки *Чиябўри булоғи*.

2:15 *Қидрон сойлиги* — Қуддус шаҳридан шарқда жойлашган. Сойлик — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

3 *Қуддус девори таъмирланади* — Нахимиё бу бобда берган ҳисоботига кўра, деворни таъмирлаш ишлари шаҳарнинг шимол томонидан, девор ўртасидан бошланиб, соат стрелкасига тескари йўналишда давом этган.

3:1 *Миё* — ибронийчада *юз* сонини билдиради. Эҳтимол, бу минора юзбошининг

қароргоҳи бўлгандир. Миноранинг номи у ердаги зиналарнинг сонига асосланган бўлиши ҳам мумкин.

3:5 *…қурилиш назоратчилари буюрган ишлардан…* — ёки *…ҳокими (яъни Нахимиё) буюрган ишлардан…* ёхуд *…ўзларининг Раббийси учун бўлган ишдан….*

3:6 *Яшоно дарвозаси* — Яшоно шаҳрига кетадиган йўл бошида бўлгани учун шу ном билан аталган бўлиши мумкин. Яшоно шаҳри Қуддусдан 25 километр шимолда жойлашган. Ибронийчада *яшоно* сўзи *Эски шаҳар дарвозаси* деган маънони англатади. Эҳтимол, дарвозанинг номи айнан шу маънога асосланган.

3:7 *Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят* — 2:7 изоҳига қаранг.

3:13 *минг тирсак* — тахминан 450 метрга тўғри келади.

3:15 *Силоам* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Шилах*.

3:18 *Биннуй* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Бовай*. Унинг Биннуй деган шакли шу бобнинг 24–оятидан олинган (яна 10:9 га қаранг).

3:19 *ғишт тирговучи* — ёки *девор бурчаги*. Шу бобнинг 20, 24, 25–оятларида ҳам бор.

3:21 *Миромўт* — шу бобнинг 4–оятида ҳам айтиб ўтилган. У деворнинг бир қисмини таъмирлаб бўлгач, бошқа қисмини таъмирлади.

3:24 *Биннуй* — шу бобнинг 18–оятида ҳам айтиб ўтилган. У деворнинг бир қисмини таъмирлаб бўлгач, бошқа қисмини таъмирлади.

3:26 *Офел тепалиги* — кўҳна Қуддус шаҳри айнан шу тепалик устида жойлашган бўлиши мумкин. Шаҳарнинг бу қисми яна “Довуд қалъаси” деб аталар эди.

3:27 *Тахувалик эркаклар* — шу бобнинг 5–оятида ҳам айтиб ўтилган. Улар деворнинг бир қисмини таъмирлаб бўлгач, бошқа қисмини таъмирладилар.

3:31 *Назорат* — ибронийча матнда *Ҳамифад*, маъноси *назорат*.

4:5 *…бинокорлар олдида Сени ҳақорат қилдилар* — ёки *…бинокорларни ҳақорат қилдилар*.

4:7 *Ашдод* — бу шаҳар Филистияда, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди. Филистлар Исроил халқининг душмани бўлиб, Оммонликлар билан иттифоқ тузишган эди.

4:12 *…ҳар томондан…бизни шундай деб огоҳлантиришди: “Хавф остида қолдингизлар…биз билан яшанглар”* — ёки *…бизни шундай деб огоҳлантиришди: “Хавф остида қолдингизлар. Улар ҳамма томондан устингизга бостириб келишмоқчи.”*

4:16-17 *одамларим* — ҳоким Нахимиёнинг шахсий соқчилари.

5:13 *…белбоғимни ечиб қоқдим…* — қимматбаҳо шахсий буюмлар кўпинча белбоққа қистириб қўйиларди. Белбоғни ечиб қоқиш лаънат белгиси бўлиб, ҳамма нарсадан маҳрум бўлишни билдирарди.

5:14 *…Артахшас ҳукмронлигининг йигирманчи йилидан то ўттиз иккинчи йилигача…* — тахминан милоддан олдинги 445-433 йиллар. 1:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

5:15 *қирқ кумуш танга* — ибронийча матнда *қирқ шақал кумуш*, тахминан ярим килога тўғри келади.

5:16 *Одамларим* — 4:16-17 га ва ўша оятларнинг изоҳига қаранг.

5:18 *оғир солиқлар* — Форс шоҳига тўланадиган ўлпонга ишора (шу бобнинг 4–оятига қаранг).

6:2 *Оноў текислиги* — Санбаллатнинг она шаҳри Байт–Хўрон яқинида, Қуддусдан қарийб 30 километр шимоли–ғарбда жойлашган (2:10 га қаранг).

6:2 *қишлоқлардан бири* — ибронийча матнда *кафирим*, таржимаси *қишлоқлардан бири*. *Кафирим* қишлоқнинг номи бўлиши ҳам мумкин.

6:6 *Гашим* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Гашму*.

6:10 *...шундай деди...* — Шамаё ўз нутқида юқори адабий услубдан фойдаланиб, пайғамбар каби гапирган.

6:10 *...Муқаддас хонасига кириб олайлик...* — Шамаё Нахимиёни алдаб, шаънига доғ туширадиган ишга ундамоқчи эди ва шу орқали унинг жонини хавф остига қўймоқчи эди. Чунки Муқаддас хонага фақатгина руҳонийлар киришга ҳақли эдилар, у ерга киришга журъат этган ҳар қандай бошқа одам ўлимга маҳкум этиларди.

6:15 *Элул ойи* — иброний календарининг олтинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан августнинг ўртасидан бошланади. Нахимиё шоҳ Артахшас билан гаплашганига олти ой бўлганди (2:1 га ва ўша оятнинг изоҳларига қаранг).

6:18 *...Шаханиё...Машуллом...* — Тўвиёнинг қайнатаси билан қудаси яҳудий эдилар. Эҳтимол, улар жамиятнинг нуфузли оилаларидан бўлган (3:4, 29, 30 да улар деворни таъмирлашга ёрдам берганлари ҳақида ёзилган).

7:1 *Маъбад дарвозабонлари* — уларнинг вазифалари тафсилоти 1 Солномалар 9:22-29 да берилган.

7:2 *укам* — ёки *акам*.

7:3 *Кун иссиқ пайтида Қуддус дарвозаларини очиқ қолдирманглар* — ёки *Қуддус дарвозаларини қуёш тепага кўтарилгандан кейингина очинглар*.

7:5 *Яҳудога сургундан биринчи бўлиб қайтиб келганлар* — бу одамлар Яҳудо юртига милоддан олдинги 539 йилда қайтиб келган бўлишлари мумкин. Ўша йили Мидия ва Форс лашкарлари шоҳ Куруш бошчилигида Бобил шаҳрини босиб олган эдилар. Шоҳ Куруш яна Кир исми билан танилган.

7:6-7 *Бобил шоҳи Навухадназар асир қилиб олиб кетган яҳудийлар* — Навухадназар милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган. Милоддан олдинги 586 йилда у Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг).

7:6-7 *Озариё* — Эзра 2:1-2 нинг ибронийча матнида бу исмнинг бошқа варианти *Сараё*. Шу бобнинг 6-62–оятларида келтирилган рўйхатдаги баъзи исмлар Эзра китобининг 2:1-60 рўйхатидаги исмлардан бир оз фарқ қилади.

7:57 *Сулаймон қароллари* — 3 Шоҳлар 9:20-21 ва 2 Солномалар 8:7-8 га қаранг.

7:65 *Яҳудо ҳокими* — бу ўринда қайси Яҳудо ҳокими ҳақида гап кетаётгани аниқ эмас. Бу пайтда Зарубабел ҳокимлик қилган, деб тахмин қилиш мумкин (Эзра 2:1-2, 3:2, 4:2 ва Хаггей 2:2, 21 га қаранг).

7:65 *Урим ва Туммим* — айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун фойдаланадиган иккита муқаддас нарса. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

7:66 *42.360* — шу бобнинг 8-62–оятларида рўйхати берилган одамларнинг жами 42.360 та эмас, балки 29.818 та. Оятда қайтиб келган одамларнинг умумий сони берилган, рўйхатга эса Яҳудо юртига қайтиб келган баъзи одамларгина киритилган бўлиши мумкин.

7:70 *1000 олтин танга* — ибронийча матнда *1000 олтин дарик*. Дарик олтин танга бўлиб, тахминан 8 граммга тўғри келади, демак, берилган олтиннинг умумий оғирлиги тахминан 8 килога тўғри келади.

7:71 *20.000 олтин танга* — ибронийча матнда *20.000 олтин дарик*. Дарик олтин танга бўлиб, тахминан 8 граммга тўғри келади, демак, берилган олтиннинг умумий оғирлиги тахминан 160 килога тўғри келади. Шу бобнинг 72–оятида ҳам бор.

7:71 *80 пуд* — ибронийча матнда *2200 мина*, тахминан 1,3 тоннага тўғри келади.

7:72 *75 пуд* — ибронийча матнда *2000 мина*, тахминан 1,2 тоннага тўғри келади.

7:73 *Еттинчи ой* — 8:2 изоҳига қаранг.

8:2 *еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади. Нахимиё шоҳ Артахшас билан гаплашганига етти ой бўлганди (2:1 га ва ўша оятнинг изоҳларига қаранг).

8:8 *...таржима қилиб берардилар...* — Таврот китоби иброний тилида ёзилган эди, аммо Бобилга сургун қилинган яҳудийларнинг аксарияти она тилини унутиб, орамий тилида сўзлашардилар. Орамий тили Бобил юртининг тили эди.

8:9 *Нахимиё* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

8:10 *Эзра* — ёки *Нахимиё*. Ибронийча матнда *у*.

8:14 *Бу амрга кўра...* — Левилар 23:33-43 га қаранг.

8:14 *еттинчи ой* — 8:2 изоҳига қаранг.

8:15 *мирта бутаси* — доим яшил, хушбўй ўсимлик.

8:16 *...уйларининг томларида...* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

9:1 *Еттинчи ой* — ибронийча матнда *Ўша ой*. 8:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

9:9 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном остида ҳозирги Суэц қўлтиғи (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиқ) ёки Суэц қўлтиғи ва Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган кўллардан бири назарда тутилган. Чиқиш 14:10-31 даги ҳодисаларнинг тафсилотига кўра, бу денгиз катталигидан Исроил халқига тўсиқ бўлган, чуқурлигидан Миср лашкари чўкиб кетган.

9:20 *манна* — Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин то Канъон юртига киргунча, Худо уларга етказиб турган махсус егулик. Манна, Шаббат кунидан ташқари, ҳар куни кечаси ерга ёғиларди, одамлар саҳарда туриб, уни йиғиб олишарди (Чиқиш 16:13-35, Ёшуа 5:12 га қаранг).

9:22 *...Хашбон шоҳи Сихўннинг юртини...* — битта иброний қўлёзмасидан, қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *...Сихўннинг юртини, Хашбон шоҳининг юртини...*.

10:32 *бир мисқол кумуш* — ибронийча матнда *бир шақалнинг учдан бир қисми*,

тахминан 4 граммга тўғри келади.

10:34 *...қуръа ташлаб...* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

10:37 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Левилар 27:30-33, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

11:1 *...қуръа ташлади...* — 10:34 изоҳига қаранг.

11:3-4 *вилоят* — Фурот дарёсининг ғарбидаги вилоят назарда тутилган. 2:7 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

11:21 *Офел тепалиги* — 3:26 изоҳига қаранг.

11:30 *Хиннум сойлиги* — Қуддус шаҳридан жанубда жойлашган.

11:35 *Ҳунармандлар* — ибронийча матнда *Харашим*, маъноси *ҳунармандлар*.

12:1 *Шалтиёл ўғли Зарубабел* — Эзра 3:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

12:4 *Гинатон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Гинатой*. Унинг Гинатон деган шакли шу бобнинг 16–оятидан олинган.

12:5 *...Минёмин, Мўвадиё...* — ибронийча матнда бу исмларнинг бошқа вариантлари *Миёмин, Мадиё*. Уларнинг Минёмин ва Мўвадиё деган шакллари шу бобнинг 17–оятидан олинган.

12:11 *Йўханон* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўнатан*. Унинг Йўханон деган шакли шу бобнинг 22–оятидан олинган.

12:14 *Маллух* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Малихи*. Унинг Маллух деган шакли шу бобнинг 2–оятидан олинган.

12:14 *Шаханиё* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Шабаниё*. Унинг Шаханиё деган шакли шу бобнинг 3–оятидан олинган.

12:15 *Миромўт* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Маройўт*. Унинг Миромўт деган шакли шу бобнинг 3–оятидан олинган.

12:20 *Саллу* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Саллой*. Унинг Саллу деган шакли шу бобнинг 7–оятидан олинган.

12:22 *Форс шоҳи Доро* — милоддан олдинги 522-486 йилларда ҳукмронлик қилган. Аммо бу ерда милоддан олдинги 423-404 йилларда ҳукмронлик қилган Доро II ёки милоддан олдинги 335-331 йилларда ҳукмронлик қилган Доро III назарда тутилган бўлиши мумкин.

12:23 *невараси* — ибронийча матнда *ўғли*. Аслида Йўханон Элиашабнинг невараси эди (шу бобнинг 10-11–оятларига қаранг). Ибронийчада *ўғил* сўзи *насл* маъносида ҳам ишлатилади.

12:24-25 *...Ешува, Биннуй, Кадмил...* — ибронийча матнда *...Кадмил ўғли Ешува...* (аммо шу бобнинг 8–оятига қаранг). Ибронийчада *Кадмил ўғли Ешува* ибораси ва *Ешува, Биннуй, Кадмил* ибораси ўзаро оҳангдош.

12:26 *Ёҳузадах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўзадах*.

12:31 *мен* — яъни Нахимиё (1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг).

12:31 *Қўшиқчиларнинг бир гуруҳи...Гўнг дарвозаси томонга...* — бу гуруҳ ва мазкур бобнинг 38–оятида айтиб ўтилган иккинчи гуруҳ тантанали юришини Сойлик

дарвозасидан бошлаган бўлишлари мумкин. Сойлик дарвозаси шаҳар деворининг жануби–ғарб томонида жойлашган. Иккала гуруҳ шаҳар девори устидан икки томонга юриб, Маъбад қаршисида, яъни шаҳар деворининг шимоли–шарқ томонида учрашишган (шу бобнинг 39-40–оятларига қаранг).

12:39 *Яшоно дарвозаси* — 3:6 изоҳига қаранг.

12:44 *ушрлар* — 10:37 изоҳига қаранг.

12:47 *Нахимиё* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

13:1 *У ерда шундай ёзилган экан…* — Қонунлар 23:3-5 га қаранг.

13:2 *…Исроил халқини лаънатлаш учун Баломни ёлладилар* — Саҳрода 22:1-24:25 га қаранг.

13:4 *Тўвиё* — у Оммонлик эди (2:10 га қаранг).

13:5 *ушрлар* — 10:37 изоҳига қаранг.

13:6 *мен* — яъни Нахимиё (1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг).

13:6 *Бобил шоҳи Артахшас ҳукмронлигининг ўттиз иккинчи йили* — тахминан милоддан олдинги 433 йил (1:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Бобил шоҳлигини форслар босиб олганлари учун, Форс шоҳи Артахшасни Бобил шоҳи Артахшас деб ҳам аташарди.

13:15 *узум эзаётган яҳудийлар* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

13:16 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

13:19 *…оқшом тушиши биланоқ…* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди.

13:19 *одамларим* — 4:16-17 изоҳига қаранг.

13:23 *Ашдод* — 4:7 изоҳига қаранг.

13:28 *Байт–Хўронлик Санбаллат* — 2:10 изоҳига қаранг. Санбаллат яҳудийларнинг, жумладан, Нахимиёнинг душмани эди (2:10, 19, 4:1, 7 га қаранг).

13:29 *…улар руҳонийликни булғадилар…* — олий руҳонийнинг набираси бегона халқдан бўлган қизга уйлангани назарда тутилган (Левилар 21:13-15 га қаранг).

13:29 *Сен руҳонийлар ва левилар билан тузган аҳд* — Худо Леви қабиласидан бир оилани, яъни Ҳоруннинг авлодини Исроил халқининг руҳонийлари қилиб танлади (Чиқиш 28:1, 29:1-9 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР сўзига қаранг.

ЭСТЕР
КИТОБИ

Кириш

Эстер китоби бизни яҳудийлар тарихининг айрим воқеалари билан таништиради. Китобдаги воқеалар яҳудийлар Форс шоҳлигида асирликда яшаган пайтда, Форс шоҳи Ахашвераш ҳукмронлиги даврида юз беради. Мазкур китобдаги воқеалар тафсирчи Эзра китоби қамраган даврга тегишлидир. Бу китобда Худо Ўз халқининг Халоскори эканини яққол кўришимиз мумкин.

Эстер тўғрисидаги воқеа Форс шоҳининг Шушан қалъасидаги қишки саройида бўлиб ўтади. Шоҳ Ахашвераш* маликани ҳайдаб юборади. Кейин Эстер исмли ёш яҳудий қизни танлаб, уни малика мартабасига кўтаради. Эстер етим бўлиб, амакиси Мардохайга ўз фарзандидай эди. Мардохай шоҳ саройида хизмат қиларди. У Эстерни: “Яҳудий эканингни ҳеч кимга айтма”, деб огоҳлантиради. Эстер Мардохайнинг айтганини қилади.

Шоҳнинг Хомон исмли энг катта лавозимдаги амалдори бўлади. У яҳудийлардан нафратланади. Хомон шоҳни алдаб, ҳамма яҳудийларни ўлдириш тўғрисида ижозат олади. Китобнинг давомида Эстер ўз ҳаётини хавф остига қўйгани ва халқини сақлаб қолгани ҳақида ҳикоя қилинади. Кейинчалик Мардохай ва Эстер ҳамма яҳудийларга мактуб ёзиб, Пурим байрамини нишонлаш тўғрисида кўрсатмалар берадилар. Яҳудийлар Пурим байрамини* ҳар йили нишонлайдиган бўлдилар, байрам давомида уларнинг ҳаёти қандай қилиб сақлаб қолинганини хотирлайдилар.

Эстер китобида Худо тилга олинмайди, шунга қарамай, китобдаги ҳар бир воқеа ортида Худонинг буюклигини ва Ўз халқига бўлган чексиз иноятини кўришимиз мумкин.

1–БОБ

Ахашверашнинг зиёфати

1 Бу воқеа Ахашвераш* даврида бўлиб ўтган эди. Ахашвераш Ҳиндистондан
Ҳабашистонгача* бир юз йигирма етти вилоят устидан ҳукмронлик қиларди.
2 Шоҳ Ахашвераш Шушандаги* қалъада шоҳлик тахтига ўтиргандан кейин,
3 ҳукмронлигининг учинчи йилида* барча вазирлари ва сарой аъёнлари, Форс ва
Мидия шоҳликларининг бош лашкарбошилари ва зодагонлари, қўли остидаги
вилоятларнинг ҳокимлари учун зиёфат берди. 4 Ахашвераш анча вақт — бир юз
саксон кун давомида ўз шоҳлигининг беқиёс бойлигини, дабдабали ва ҳашаматли
улуғворлигини кўрсатди. 5 Бу зиёфатдан кейин Ахашвераш Шушан қалъасининг
каттаю кичигига шоҳ саройининг боғ ҳовлисида етти кун зиёфат берди. 6 Боғнинг
мармар устунлари тепасидаги кумуш ҳалқаларга олий навли ва сафсар рангли
зиғир иплардан тўқилган, арқонларга боғланган оқ ва кўк рангли зиғир пардалар
осилганди. Арғувон ва оқ мармар, садаф ва қорамтир тошлар қопланган жойга
олтин ва кумуш ўриндиқлар ўрнатилган эди. 7 Ичимликлар турли–туман олтин
қадаҳларда тортилди. Шоҳона шароб ҳам, шоҳнинг бойлиги каби, жуда сероб
бўлди. 8 Чунки шоҳ ўз хонадони бошқарувчиларига: “Ҳар кимга истаганича
берилсин”, деб фармон этди. Шунинг учун ичимликлар, шоҳнинг фармонига кўра,
меҳмонларнинг хоҳишига қараб берилди. 9 Малика Вашти ҳам шоҳ Ахашвераш

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

саройида аёллар учун зиёфат бераётган эди.

Малика Вашти тождан маҳрум қилинади

10 Еттинчи куни шоҳ шароб ичиб вақти чоғ бўлиб, ўзининг Махумон, Бизта,
Харбона, Бихта, Аваґта, Затар, Каркас исмли еттита мулозимига* шундай фармон
берди: 11 “Малика Вашгига шоҳона тож кийдириб, ҳузуримга олиб келинглар,
халққа ва аъёнларга унинг гўзаллигини кўрсатай.” Ҳақиқатан ҳам малика ғоят
гўзал эди. 12 Лекин малика Вашти келмади, шоҳнинг мулозимлар орқали берган
фармонини бажаришдан у бош тортди. Шоҳ бундан қаттиқ ғазабланди,
маликадан ғоятда жаҳли чиқди. 13 Шоҳ ўз ишларини қонун–қоидани
биладиганлар олдида қиларди. 14 Ўша пайтда шоҳнинг яқинлари Форс ва Мидия
шоҳлигининг еттита беги — Каршана, Шатор, Адмата, Таршиш, Мирос, Марсано,
Мамухон эди. Уларнинг жойи шоҳнинг ҳузурида бўлиб, шоҳликда энг юқори
мавқени эгаллаган эдилар. Шоҳ қонун–қоидаларни яхши биладиган ўша
донишмандлардан сўради:

15 — Шоҳ Ахашвераш малика Вашгига мулозимлар орқали фармон берган эди,
у итоат этмади. Бу қилмиши учун қонунга биноан уни нима қилиш керак?

16 Шунда Мамухон шоҳ ва аъёнлар ҳузурида шундай жавоб берди:

— Малика Вашти ёлғиз шоҳимиз олдидагина эмас, балки шоҳ Ахашвераш
ҳукмронлиги остидаги ҳамма вилоятларнинг беклари ва халқи олдида
айбдордир. 17 Чунки маликанинг қилиғини ҳамма аёллар эшитишгач, улар: “Шоҳ
Ахашвераш, малика Вашгини ҳузуримга олиб келинглар, деб фармон берган экан,
малика бормабди”, деб гапириб юрадилар ва эрларини менсимай қўядилар.
18 Маликанинг қилиғи тўғрисида эшитган Форс ва Мидия шоҳлиги бегойимлари
шоҳимизнинг ҳамма аъёнларига айни ўша гапни айтадилар. Ўртада киборлик,
дилсиёҳлик пайдо бўлади. 19 Агар шоҳимиз маъқул кўрсалар, ўзлари бутун
шоҳлик ҳудуди бўйича қарор чиқарсинлар. Форс ҳамда Мидия шоҳлиги
қонунларига: “Вашти шоҳ Ахашвераш ҳузурига кирмасин, унинг шоҳликдаги
мартабаси бошқа яхшироғига берилсин” деган қўшимча киритилсин ва бу
фармон ўзгартирилмасин. 20 Шоҳлик қанчалик катта бўлмасин, шоҳимизнинг бу
фармони шоҳлик бўйлаб тарқалганда, барча аёллар — бою камбағали эрларини
ҳурмат қиладиган бўладилар.

21 Бу гап шоҳга ва аъёнларга маъқул бўлди. Шоҳ Мамухон айтганидай қилди.
22 У қўли остидаги ҳамма вилоятларга мактуб жўнатди. Мактуб ҳар бир
вилоятнинг ўз ёзувида ва ҳар бир халқнинг ўз тилида битилган бўлиб, унда: “Ҳар
бир эркак ўз оиласида хўжайин бўлсин ва унинг гапи гап бўлсин”, деб ёзилган
эди.

2–БОБ

Эстер малика бўлади

1 Ахашвераш* ғазабидан тушгандан кейин, Вашти ва унинг қилмиши,
Вашгининг устидан чиқарилган ҳукм эсига тушиб қолди. 2 Шоҳнинг аъёнлари
айтдилар: “Шоҳимиз учун ёш, чиройли қизлар қидирилсин. 3 Бунинг учун
шоҳимиз қўли остидаги вилоятларда назоратчилар тайин қилинсин, улар
чиройли барно қизларни шоҳимизнинг хизматкори, ҳарам оғаси Хегай назорати
остида Шушан қалъасидаги ҳарамга тўпласинлар, қизларга пардоз берсинлар.
4 Шоҳимизга ёққан қиз Вашгининг ўрнига малика бўлсин.” Бу гап шоҳга маъқул
келди ва у айтилганларни қилди.

5 Шушан қалъасида бир яҳудий яшарди. Унинг исми Ёвир ўғли Мардохай

бўлиб, Бенямин қабиласидан эди. Ёвир Шимах ва Киш* наслига бориб тақаларди.
6 Бобил шоҳи Навухадназар Яҳудо шоҳи Ёҳайихинни* асир қилиб олиб келганда*,
Мардохай ҳам Қуддусдан келтирилган эди. 7 Ота–онасидан етим қолган Ҳадассани
Мардохай асраб олиб тарбия қилди. Ҳадасса Мардохайнинг жияни эди. Унинг
бошқа исми Эстер бўлиб, келишган, гўзал қиз эди.
8 Шоҳнинг амру фармони эълон қилингач, Шушан қалъасига кўп қизларни
тўплаб, Хегай назоратига топширишди. Эстер ҳам шоҳ саройига келтирилиб,
ҳарам оғаси Хегай назоратига топширилди.
9 Хегайга Эстер ёқди, Хегай унга илтифот кўрсатди. Хегай дарров: “Бу қизга
пардоз бериб, парваришланглар, унга улушини бериб туринглар, саройдан еттита
канизак танлаб олиниб, унга чўри қилиб берилсин”, деб буюрди. У шоҳ
ҳараминнинг энг яхши бўлмасига қизни ва унинг канизларини жойлаштирди.
10 Лекин Эстер ўз халқи, уруғ–аймоғи тўғрисида ҳеч нарса айтмади. Чунки
Мардохай унга бу тўғрида оғиз очмаслигини буюрган эди.
11 Мардохай ҳар куни Эстернинг соғлигидан хабар олгани, унга қандай
муомала қилишяпти экан, деб билгани ҳарам ҳовлиси атрофида юрарди. 12 Ҳар
бир ёш қизга, Ахашвераш ҳузурига кириш учун навбати келганда, ўн икки ой
давомида пардоз бериларди. Аёллар учун чиқарилган қоида шунақа эди. Олти ой
мирра мойи* билан, олти ой хушбўй нарсалар ва упа–эликлар билан пардоз
қилардилар. 13 Шундан кейин қиз шоҳ ҳузурига кирарди: қиз саройга
кираётганда, ҳарамдан нима талаб қилса, ҳаммаси бериларди.
14 Кечқурун шоҳ ҳузурига кирган қиз, эртасига эрталаб шоҳнинг мулозими*,
канизаклар* соқчиси Шашагаз назорати остидаги бошқа ҳарамга* қайтарди.
Фақат шоҳга хуш ёққан, шоҳ номини айтиб чақирган қиз қайтадан унинг ҳузурига
кирарди.
15 Мардохайнинг асрандиси, унинг амакиси Абуҳайилнинг қизи Эстер шоҳ
ҳузурига киradиган пайт ҳам келди. Эстер шоҳнинг мулозими, ҳарам оғаси Хегай
нима таклиф қилган бўлса, шуни олди ва бошқа ҳеч нарса сўрамади. Эстерни
кўрганларнинг кўзларида қувонч порлади.
16 Шундай қилиб, Ахашвераш ҳукмронлигининг еттинчи йили* ўнинчи ойи —
Табат ойида*, Эстер шоҳ Ахашвераш саройига келтирилди. 17 Шоҳ Эстерни ҳамма
қизлардан ортиқ севиб қолди. Эстер шоҳнинг мурувватига ва илтифотига барча
қизлардан кўпроқ сазовор бўлди: Ахашвераш маликалик тожини Эстернинг
бошига кийгизиб, уни Ваштининг ўрнига малика қилди. 18 Сўнгра шоҳ ҳамма
аъёнлари ва хизматкорлари учун Эстер шарафига зиёфат берди, ҳамма
вилоятларда байрам эълон қилди. Олийҳимматлик билан ҳадялар улашди.

Мардохай шоҳнинг ҳаётини сақлаб қолади

19 Барно қизлар кейинги сафар ҳарамга тўпланишганда, Мардохай саройда ўз
вазифасини бажараётган эди*. 20 Эстер Мардохайнинг буйруғига итоат этиб,
уруғ–аймоғи ва халқи тўғрисида ҳали гапирмаган эди. Эстер Мардохайнинг
тарбиясида бўлган пайтда унга қандай итоат қилган бўлса, ҳозир ҳам шундай
итоат этарди.
21 Ўша кунларда — Мардохай саройда ўз вазифасини бажараётганда, шоҳнинг
Бихтан ва Тараш деган иккита дарвозабони қутуриб, шоҳ Ахашверашнинг жонига
суиқасд қилишни режалаштирдилар. 22 Мардохай бу фитнани билиб қолиб,
малика Эстерни огоҳлантирди. Эстер эса фитна тўғрисидаги хабарни Мардохай
номидан шоҳга етказди.
23 Бу воқеа текширилгач, тўғри деб топилди ва иккала хизматкор дорга
осилди*. Бу воқеа шоҳнинг “Кундалик хотиралар китоби”га ёзиб қўйилди.

3–БОБ

Хомон яҳудийларга қарши чиқади

1 Бу ҳодисалардан кейин шоҳ Ахашвераш* Ўгах* наслидан бўлган Хамадото
ўғли Хомонни кўкларга кўтариб, юксак мартабага тайинлади. Бошқа ҳамма
аъёнлар устидан Хомонни нозир этиб тайинлади. 2 Шоҳнинг саройдаги* бошқа
аъёнлари Хомонга тиз чўкиб таъзим қилардилар. Чунки шоҳнинг амри шундай
эди. Мардохай эса на эгиларди, на таъзим қиларди. 3 Шоҳнинг саройдаги
аъёнлари Мардохайга: “Нимага сен шоҳнинг амрига итоат этмаяпсан–а?!” деб
айтардилар.
4 Улар Мардохайга бу гапни ҳар куни айтсалар ҳам, Мардохай уларнинг гапига
қулоқ солмасди. Аъёнлар, Мардохайнинг бу қилиғига Хомон тоқат қила
олармикан, деб уни бу аҳволдан хабардор қилдилар. Чунки Мардохай уларга:
“Мен яҳудийман”, деб айтган эди.
5 Хомон Мардохайнинг тиз чўкиб таъзим қилмаётганини кўрганда, ғазабдан
тутақарди. 6 Хомон биргина Мардохайни ўлдиришни арзимас иш деб ўйлади.
Мардохайнинг қайси халқдан эканини билгани учун Хомон Ахашверашнинг
бутун шоҳлиги ҳудудидаги Мардохайнинг халқини — жамики яҳудий халқини
қириб ташлашга қасд қилиб қўйди.
7 Ахашвераш ҳукмронлигининг ўн иккинчи йили* биринчи ойи — Нисон
ойида* бу фитна амалга ошириладиган кун ва ой учун Хомон олдида пур* —
қуръа ташланди. Қуръа ўн иккинчи ойнинг — Адар ойининг* ўн учинчи кунига*
тушди.
8 Шундан кейин Хомон шоҳ Ахашверашга айтди:
— Шоҳлигингиз вилоятларидаги бошқа халқларнинг орасига
сочилиб–тарқалиб кетган бир халқ бор. Уларнинг қонунлари ҳамма халқлар
қонунидан фарқ қилади. Шоҳимиз қонунларига улар бўйсунмайдилар. Уларга
сабр–тоқат қилиш шоҳимизнинг манфаатларига зиддир. 9 Агар шоҳимиз маъқул
кўрсалар, бу халқни қириб ташлаш учун фармон берсинлар. Мен ўн минг талант*
кумушимни аъёнлар қўлига олиб бориб бераман. Улар бу кумушни шоҳимиз
хазинасига топширадилар.
10 Шундан кейин шоҳ бармоғидаги муҳр узугини ечиб, фармонини тасдиқлаш
учун яҳудийлар душмани Ўгах наслидан Хамадото ўғли Хомонга берди.
11 — Бу пуллар ўзингда қолсин, халқни ҳам сенга бердим, — деди шоҳ Хомонга.
— Анави халққа нимани маъқул кўрсанг, шуни қил.
12 Биринчи ойнинг ўн учинчи куни шоҳнинг мирзалари чақирилди. Хомоннинг
ҳамма буйруқлари ҳар бир вилоят халқининг ўз ёзувида ва ўз тилида шоҳнинг
ноибларига, ҳар бир вилоят ҳокимига ва ҳар бир халқнинг бегига ёзилди.
Мактублар шоҳ Ахашвераш номидан ёзилиб, шоҳнинг муҳр узуги билан
тасдиқланди*.
13 Мактублар чопарлар орқали шоҳнинг қўли остидаги ҳамма вилоятларга
жўнатилди. “Яҳудийларнинг ҳаммаси — ёшу қариси, болалару аёллари бир кунда
— ўн иккинчи ойнинг, яъни Адар ойининг ўн учинчи куни йўқ қилинсин,
ўлдирилсин, қириб ташлансин, мол–мулки талон–тарож қилинсин, 14 ҳамма ўша
кунга тайёр бўлсин”, деб фармон эълон қилинди. Шунинг учун ҳар бир вилоятга
улар учун қонун сифатида фармондан кўчирма берилди.
15 Чопарлар шоҳнинг айтганига мувофиқ тезлик билан йўлга чиқдилар.
Фармон Шушан қалъасида ҳам эълон қилингач, шаҳар бесаранжом бўлиб қолди.
Шоҳ билан Хомон эса ўтиришиб кайфу сафо қилишарди.

4–БОБ

Мардохай Эстердан ёрдам сўрайди

1 Мардохай юз берган воқеадан хабардор бўлгач, кийимларини йиртди,
қаноргa ўраниб, устига кул сочди*. Кейин қаттиқ аламли фарёд кўтариб, шаҳар
бўйлаб юрди. 2 Ўша ҳолатда сарой дарвозасига борди, лекин қанор кийиб сарой
дарвозасидан ичкарига кириш мумкин эмасди. 3 Шунингдек, ҳар бир вилоятда —
шоҳнинг амру фармони етиб борган жойларда яҳудийлар чуқур қайғуга
ботдилар, рўза тутиб, йиғлаб нола қилдилар. Кўпчилик қаноргa ўраниб ва кулга
беланиб ётди. 4 Эстернинг канизлари ва хизматкорлари келиб, бу ҳақда хабар
беришганда, малика қаттиқ ташвишга тушди. “Мардохай устидаги қанорни ечиб,
мана бу кийимларни кийиб олсин”, деб малика кийим бериб юборган эди,
Мардохай олмади. 5 Эстернинг хизматига шоҳ тайинлаган Хатах исмли мулозим*
бор эди. Эстер Хатахни чақириб, унга: “Бу нимаси, Мардохай нимага бундай
қиляпти экан, билиб кел–чи”, деб буюрди. 6 Хатах шоҳ саройи дарвозаси олдидаги
шаҳар майдонига — Мардохайнинг ёнига кетди.

7 Мардохай ўзининг бошига тушган ҳамма кулфатни, Хомон яҳудийларга
қирғин келтириш учун шоҳ хазинасига қанча миқдорда кумуш беришга ваъда
қилганини Хатахга айтиб берди. 8 Кейин Мардохай Хатахга яҳудийларни қириш
тўғрисида Шушанда эълон қилинган фармондан бир нусхасини бериб: “Эстерга
буни кўрсат, у ҳамма нарсани тушуниб олсин”, деди. “Эстер шоҳ ҳузурига кириб,
ўз халқига раҳм этишини илтижо қилиб сўрасин”, деб тайинлади.

9 Хатах қайтиб келиб, Мардохайнинг гапларини Эстерга айтиб берди. 10 Эстер:
“Мардохайга ушбу гапларни етказ”, деб Хатахни яна жўнатди: 11 “Шоҳ саройида
ҳамма хизмат қилаётганлар ва шоҳнинг қўли остидаги вилоятлар халқи шуни
биладиларки, кимки ички ҳовлига — шоҳ ҳузурига чақирилмасдан кирса,
эркакми, аёлми, барибир, ҳукм битта — уни ўлим кутади. Шоҳ салтанатнинг
олтин ҳассасини кимга томон узатсагина, ўша тирик қолади. Лекин ўттиз кундан
буён шоҳ мени чақиргани йўқ.”

12 Эстернинг бу гапларини Мардохайга айтишгач, 13 у Эстерга шу жавобни
етказишни сўради: “Саройда яшаганим учун яҳудийлардан ёлғиз ўзим омон
қоламан, деб ўйламагин. 14 Агар шу дамларда сен сукут сақласанг, яҳудийларга
бошқа жойдан нажот келади, улар озод бўладилар. Сен ва отанг хонадони эса
ҳалок бўласизлар. Ким билсин, балки шунақа кунлар учун сен маликалик
мартабасига эришгандирсан.”

15 Эстер ҳам Мардохайга қуйидагича жавоб жўнатди: 16 “Боринг, Шушандаги
ҳамма яҳудийларни тўплаб, мен учун рўза тутинглар. Уч кечаю уч кундуз ҳеч
нарса еманглар ҳам, ичманглар ҳам. Мен ҳам канизакларим билан рўза тутаман,
сўнгра қонунга хилоф бўлса ҳам, шоҳ ҳузурига бораман. Майли, ўлсам, ўлай.”

17 Мардохай кетди ва Эстер нима буюрган бўлса, ҳаммасини қилди.

5–БОБ

Эстер тилагини шоҳга аён қилади

1 Учинчи куни Эстер шоҳона либосларини кийиб, саройнинг ички ҳовлисида —
шоҳ яшайдиган хосхона рўпарасида пайдо бўлди. Шоҳ хосхонанинг тўридаги
тахтда ўтириб, 2 ҳовлида кутиб турган малика Эстерни кўрди–ю, унга марҳамат
қилди ва қўлидаги салтанатнинг олтин ҳассасини Эстерга томон чўзди. Эстер
яқинроқ келиб ҳассанинг учига тегинди.

3 Шоҳ ундан:
— Сенга нима керак, малика Эстер? — деб сўради. — Тилагинг нима? Ҳатто ярим шоҳликни сўрасанг ҳам берилади.
4 — Агар шоҳимиз маъқул кўрсалар, бугун Хомон билан бирга меникига зиёфатга келсалар, — деди малика. — Мен шоҳимиз учун зиёфат тайёрлагандим.
5 Шоҳ:
— Зудлик билан бориб Хомонни топиб келинглар! — деб буюрди. — Эстернинг истагини бажо қилайлик.
Шундай қилиб, шоҳ Хомон билан бирга Эстер тайёрлаган зиёфатга борди.
6 Шоҳ майдан ичар экан:
— Айт, нима истайсан? Нима истасанг берилади, — деди Эстерга. — Қандай тилагинг бор? Ярим шоҳликни сўрасанг ҳам, хоҳишинг қондирилади.
Эстер шундай жавоб берди:
7 — Менинг истагим ва илтимосим шуки, 8 агар шоҳимиз мендан мамнун бўлсалар, шоҳимиз менинг тилагимни ва истагимни қондиришни маъқул кўрсалар, эртага мен тайёрлайдиган зиёфатга яна Хомон билан бирга келсинлар. Ўшанда шоҳимизнинг саволига жавоб бераман.

Хомон ғазабланади

9 Хомон ўша куни зиёфатдан хурсанд, кайфияти чоғ бўлиб чиқди. У шоҳ саройи дарвозаси олдида Мардохайни кўрди. Мардохай Хомоннинг ҳурмати учун ўрнидан турмади ҳам, таъзим ҳам қилмади. Хомон эса ғазабдан тутақиб кетди.
10 Бироқ у ўзини босди. Уйига келиб, дўстларини ва хотини Зарешни чақиртирди.
11 Хомон уларга ўзининг чексиз бойлиги ва кўпдан–кўп ўғиллари тўғрисида гапирди, шунингдек, шоҳ уни аъёнлар ва хизматкорлар устидан юксак мартабага кўтаргани ҳақида мақтанди.
12 Кейин у яна айтди:
— Малика Эстер зиёфат тайёрлаган экан, шоҳ билан мендан бошқа ҳеч кимни таклиф қилмабди. Эртага ҳам мен шоҳ билан бирга уникига зиёфатга чақирилганман. 13 Лекин сарой дарвозасида турган яҳудий Мардохайни кўрганимда, буларнинг мен учун ҳеч бир қиммати қолмайди.
14 Шунда хотини Зареш ва ҳамма дўстлари Хомонга маслаҳат беришди:
— Дор тайёрлашсин, баландлиги эллик тирсак* бўлсин. Эрталаб шоҳдан илтимос қил, Мардохайни ўша дорга осишсин*. Кейин хурсанд бўлиб, шоҳ билан бирга зиёфатга бораверасан.
Бу гап Хомонга маъқул тушди. У дорни* тайёрлатиб қўйди.

6–БОБ

Мардохайга ҳурмат кўрсатилади

1 Шу кеча шоҳнинг уйқуси қочди. Шоҳ:
— “Кундалик хотиралар китоби”ни олиб келинглар! — деб буюрди. Китобни унга ўқиб беришди. 2 Хотира китобидаги шоҳ Ахашверашнинг* дарвозабонлари Бихтан ва Тараш шоҳнинг жонига қасд қилишни режалаштирганлари, буни Мардохай билиб қолиб шоҳга етказгани тўғрисида ёзилган воқеага етиб келишди.
3 Шунда шоҳ:
— Бу хизмати учун Мардохай нима билан тақдирланган? Унга ҳурмат кўрсатилганми? — деб сўради.
— У ҳеч нарса билан тақдирланмаган, — деб жавоб беришди шоҳнинг

аъёнлари.
4 — Ҳовлида ким бор? — сўради шоҳ. Шу пайтда Хомон шоҳ саройининг ташқи
ҳовлисига келган ва Мардохай учун тайёрлатиб қўйган дорга уни остириш
тўғрисида* шоҳ билан маслаҳатлашмоқчи бўлиб турган эди. 5 Шоҳнинг аъёнлари:
— Ҳовлида Хомон турибди, — деб жавоб беришди.
— Бу ёққа кирсин! — деб буюрди шоҳ.
6 Хомон киргач, шоҳ ундан сўради:
— Шоҳ тақдирламоқчи бўлган одамга қандай ҳурмат кўрсатса бўлади?
Хомон ўз кўнглида: “Шоҳ мендан бошқа кимга ҳам иззат–ҳурмат кўрсатишни
истарди”, деб ўйлади 7 ва шоҳга айтди:
— Шоҳимиз ҳурмат кўрсатиб, тақдирламоқчи бўлган одам учун 8 ўзлари
кийган шоҳона либосларни, шоҳимиз минган, усти шоҳона зеб–зийнатлар* билан
безатилган отни олиб келишсин. 9 Шоҳнинг энг яқин бекларидан бири қўлига
либосларни ва отни беришсин. Шоҳ ҳурмат кўрсатиб, тақдирламоқчи бўлган ўша
одам кийинтирилгандан кейин, отга миндирилсин–да, шаҳар майдонига олиб
чиқилсин. Унинг олдида юриб: “Шоҳ тақдирламоқчи бўлган одам мана шундай
ҳурматга сазовор бўлади!” деб жар солинсин.
10 Шоҳ Хомонга буюрди:
— Ҳозироқ, ўзинг айтганингдай, либосларни ва отни олгин–да, сарой
дарвозасида турган яҳудий Мардохайга шундай қил. Айтганларингдан бирортаси
ҳам қолиб кетмасин.
11 Хомон либосларни ва отни олиб, Мардохайни кийинтирди. Сўнг уни отга
миндириб, шаҳар майдонига олиб чиқди ва унинг олдида юриб: “Шоҳ
тақдирламоқчи бўлган одам мана шундай ҳурматга сазовор бўлади!” деб жар
солди.
12 Мардохай сарой дарвозасига қайтиб келди. Хомон эса шарманда бўлганидан
юзини беркитиб жадал уйига йўл олди.
13 Хомон хотини Зарешга ва барча дўстларига юз берган воқеани айтиб берди.
Дўстлари ва хотини Зареш шундай дейишди:
— Мардохай туфайли сен пастга кетдинг. Агар у яҳудийлардан бўлса, унга бас
кела олмайсан. Аксинча, барбод бўласан.
14 Улар гаплашиб турганларида, шоҳнинг мулозимлари* келиб, Хомонни Эстер
тайёрлаган зиёфатга апил–тапил олиб кетдилар.

7–БОБ

Хомон дорга осилади

1 Шоҳ ва Хомон малика Эстер билан еб–ичиш учун уникига келишди. 2 Улар
иккинчи куни ҳам шаробхўрлик қилишаётганда, шоҳ Эстерга яна айтди:
— Қандай истагинг бор, малика Эстер? Истагинг қондирилади. Қандай
илтимосинг бор, маликам? Ярим шоҳликни сўрасанг ҳам, берилади.
3 Шундан кейин малика Эстер гапирди:
— Шоҳ ҳазратлари! Агар ўзлари мендан мамнун бўлсалар, агар шоҳим маъқул
кўрсалар, истагим шуки, жонимни сақлаб қолсинлар, тилагим шуки, менинг
халқим жонига раҳм қилсинлар! 4 Мен ва менинг халқим ер юзидан йўқ қилиниш
учун, ўлдирилиш ва қирилиш учун сотилганмиз*. Агар биз қул ва чўри қилиб
сотилганимизда эди, овозимни чиқармасдим. Ўша душманнинг қилмиши учун
шоҳимизни безовта қилиш арзимас иш бўларди.
5 Шоҳ Ахашвераш* малика Эстердан:

— Ким у? Қани ўша одам? Ким шундай қилишга журъат этди? — дея сўради.
6 — Зараркунанда, ғаним, ёвуз Хомон! — деди Эстер.
Шу заҳоти Хомон шоҳ билан малика қаршисида ваҳимага тушди. 7 Шоҳ ғазаб билан дастурхондан турди–ю, сарой боғига қараб кетди. Хомон эса малика Эстердан “Жонимни қутқаргин”, деб ёлвориш учун қолди, чунки шоҳдан ўзига нисбатан ёвуз қисмат тайин этилганини у билиб турарди.
8 Шоҳ боғдан саройнинг зиёфат бўлаётган хонасига қайтганда, Хомон Эстер ёнбошлаб ўтирадиган ўриндиққа маҳкам ёпишиб ётган эди. Шоҳ бу аҳволни кўрди–ю:
— Оҳ–ҳо, мен уйда эканимда маликанинг номусига тегмоқчи бўлдингми? — деб бақирди. Шоҳ гапини тугатар–тугатмас, Хомоннинг юзини ёпдилар*.
9 Шоҳнинг мулозимларидан* бири Харбона айтиб қолди:
— Ҳа, айтгандай, Хомон уйининг олдига эллик тирсакли* дор тайёрлаб қўйган. Бу дорга Мардохайни осмоқчи. Мардохай эса шоҳимизни огоҳлантириб унинг ҳаётини сақлаб қолган.
— Ўша дорга Хомоннинг ўзини осинглар!* — деб фармон берди шоҳ.
10 Мардохай учун тайёрлаб қўйилган дорга Хомоннинг ўзини осдилар*. Шундан сўнггина шоҳнинг ғазаби босилди.

8–БОБ

Шоҳ яҳудийларни ҳимоя қилади

1 Ўша куни шоҳ Ахашвераш* яҳудийлар душмани Хомоннинг мол–мулкини малика Эстерга инъом қилди. Мардохай шоҳ ҳузурига кириб чиқадиган бўлди. Чунки малика Мардохайнинг ўзига қариндош эканини айтган эди.
2 Шоҳ Хомондан қайтариб олган муҳр узугини бармоғидан чиқариб Мардохайга берди. Эстер эса Мардохайни Хомоннинг мол–мулки устидан бошқарувчи қилиб тайинлади.
3 Эстер шоҳ билан яна гаплашди. Шоҳнинг оёғига йиқилиб: “Ўгах* наслидан бўлган Хомоннинг яҳудийларга қарши ўйлаган хусуматини ва режасини даф қилинг”, деб йиғлаб ёлворди. 4 Шоҳ салтанатнинг олтин ҳассасини Эстер томон узатган эди, Эстер ўрнидан туриб, шоҳнинг қаршисига келди 5 ва айтди:
— Агар шоҳимиз маъқул кўриб, мендан мамнун бўлсалар, бу ишни ўринли деб билсалар, ўзларига ёққан бўлсам, Ўгах наслидан Хамадото ўғли Хомоннинг шоҳлик ҳудудидаги ҳамма яҳудийларни қириб ташлаш тўғрисида қасддан ёзган мактубини бекор қилиш учун бошқа мактуб ёзилсин. 6 Ахир, халқимнинг бошига тушадиган кулфатни томоша қилиб чидаб тура оламанми?! Қабиладошларим ўлдирилаётганда, гувоҳ бўлиб тура оламанми?!
7 Шунда шоҳ Ахашвераш малика Эстерга ва яҳудий Мардохайга айтди:
— Хомоннинг мол–мулкини Эстерга бердим. Хомон эса яҳудийларни қириб ташламоқчи бўлгани учун уни дорга остирдим*. 8 Энди шоҳ номидан яҳудийлар тўғрисидаги мактубни ўзларингизга маъқул келадиган тарзда ёзиб, шоҳнинг узуги билан муҳрланглар. Шоҳ номидан ёзилиб, шоҳнинг узуги билан муҳрланган мактубни ҳеч ким ўзгартириши мумкин эмас.
9 Шундан сўнг учинчи ойда — Шавон ойининг* йигирма учинчи куни шоҳнинг мирзалари чақирилди. Ҳиндистондан Ҳабашистонгача* бўлган бир юз йигирма етти вилоятдаги яҳудийларга, ноибларга, ҳокимларга, вилоятларнинг бекларига худди Мардохай буюрганидай мактуб ёзилди. Мактуб ҳар бир вилоят халқининг ёзуви ва тилида, яҳудийларга ҳам ўзларининг ёзувида ва тилида ёзилди.

10 Мардохай шоҳ Ахашвераш номидан мактубни ёздиргач, шоҳнинг узуги билан
муҳрлади ва шоҳнинг йилқисидаги учқур отларга чопарларни ўтқазиб жўнатди.
11 Шоҳ мактубда яҳудийларга ҳамма шаҳарларда тўпланиб, ўзларини ҳимоя
қилишларига ҳуқуқ берди. Бундан ташқари, яҳудийларга ҳужум қиладиган ҳар
қандай душман халқнинг ёки юртнинг қуролли кучларини, болаларини ва
аёлларини йўқ қилишга, ўлдиришга, мол–мулкини талон–тарож қилишга, қириб
ташлашга ижозат берди. 12 Бунинг учун шоҳ Ахашверашнинг қўли остидаги ҳамма
юртларда бир кун — ўн иккинчи ойнинг, яъни Адар ойининг* ўн учинчи куни*
белгиланди. 13 Ушбу фармон матни ҳар бир вилоятга, барча халқларга қонун
ўрнида эълон қилинди. Шундай қилиб, яҳудийлар ўша куни ўз душманларидан
қасос олишга тайёр туришлари керак эди.
14 Чопарлар шоҳнинг учқур отларига миндилар–у, унинг фармонига кўра, тўрт
томонга елиб кетдилар.
Шушандаги қалъада ҳам фармон эълон қилинди. 15 Мардохай кўк ва оқ рангли
шоҳона либосларга бурканиб, катта олтин тожни кийиб, сафсар рангли зиғир
ридога ўраниб, шоҳ ҳузуридан чиқди. Шушанда хурсандчилик, шоду хуррамлик
ҳукм сурарди. 16 Бундан яҳудийларнинг қалби умидга тўлди, шоду хуррам, вақти
чоғ бўлди, улар учун шарафли кунлар бошланган эди. 17 Ҳамма вилоятларда, ҳар
бир шаҳарда, шоҳнинг амру фармони етиб борган ҳар қандай жойда яҳудийлар
шоду хуррам бўлиб, ўйнаб–кулдилар, зиёфатлар уюштирдилар, байрам қилдилар.
Шоҳликдаги кўп халқлар яҳудий бўлди, чунки ҳаммани яҳудийлардан қўрқув
ҳисси қамраб олган эди.

9–БОБ

Яҳудийларнинг зафари

1 Шоҳнинг амру фармони ижро қилинадиган ўн иккинчи ой — Адар ойининг*
ўн учинчи куни келди. Бу кунни яҳудийларнинг ғанимлари, уларнинг устидан
ҳукмронликни эгаллаймиз, деб умид билан кутган эдилар. Аммо аксинча бўлиб
чиқди: яҳудийлар ўз ғанимлари устидан ҳукмронликни ўрнатдилар. 2 Яҳудийлар
ёвуз кимсаларга қарши курашиш учун шоҳ Ахашверашга* қарашли ҳамма
вилоятлардаги ўзлари яшайдиган шаҳарларда* бир жойга йиғилдилар. Ҳеч ким
яҳудийларга дош бера олмади, чунки яҳудийлардан қўрқув туйғуси ҳамма
халқларни қамраб олган эди.
3 Вилоятлардаги ҳамма беклар, ноиблар, ҳокимлар ва шоҳнинг аъёнлари
Мардохайдан қўрққанлари учун яҳудийларни қўллаб–қувватладилар. 4 Мардохай
саройнинг юксак мартабали одами бўлиб, у тобора кучайиб борар, унинг шуҳрати
бутун вилоятларга ёйиларди.
5 Яҳудийлар жамики душманларини қиличдан ўтказиб, ўлдириб, қириб
ташладилар. Ғанимларига нисбатан истаганини қилдилар. 6 Жумладан,
яҳудийлар Шушан қалъасида беш юз кишини қириб ташладилар. 7-10 Яна
яҳудийлар ўзларининг душмани Хамадото ўғли Хомоннинг ўнала ўғлини —
Паршандата, Далфон, Аспата, Пўрата, Одалиё, Оридато, Пармашто, Орисай, Оридай
ва Вайзотони ўлдирдилар. Аммо мол–мулкига қўл теккизмадилар.
11 Ўша куни Шушан қалъасида ўлдирилганларнинг ҳисобини шоҳга маълум
қилдилар. 12 Шоҳ эса малика Эстерга айтди:
— Яҳудийлар Шушан қалъасида Хомоннинг ўнала ўғлини ва яна беш юз
кишини қириб, йўқ қилдилар. Ким билсин, бошқа вилоятларимда улар нима
қилдилар экан? Истагинг нима? Айт, қондирайин. Яна қандай тилагинг бор? Бажо

қилайин.
13 — Агар шоҳимизга маъқул бўлса, Шушандаги яҳудийлар эртага ҳам бугунги
фармонингизни ижро этсинлар, — деди Эстер. — Хомоннинг ўнала ўғлининг
жасадлари ҳам дорга осилсин*.
14 Шоҳ ушбу истакни бажаришни буюрди. Шушанда фармон чиқарилди.
Хомоннинг ўнала ўғлининг жасади ҳам дорга осилди. 15 Адар ойининг ўн
тўртинчи куни Шушандаги яҳудийлар яна тўпланиб, қалъада душманлардан уч
юзтасини ўлдирдилар. Лекин мол–мулкига қўл теккизмадилар.
16 Шоҳликнинг турли вилоятларида яшайдиган бошқа яҳудийлар ҳам жонини
сақлаш ва душманларидан қутулиш учун бир жойга тўпландилар.
Душманларидан етмиш беш минг кишини ўлдирдилар, лекин мол–мулкига қўл
теккизмадилар. 17 Буларнинг ҳаммаси Адар ойининг ўн учинчи куни юз берди.
Яҳудийлар ўн тўртинчи куни тинчиб, бу кунни байрам қилдилар.
18 Шушандаги яҳудийлар ҳам ўзларини қутқариш учун ўн учинчи ва ўн
тўртинчи кунлари йиғилдилар. Ўн бешинчи куни эса тинчиб, бу кунни байрам
қилдилар. 19 Шунинг учун қишлоқлардаги аҳоли Адар ойининг ўн тўртинчи
кунини байрам сифатида нишонлаб зиёфат уюштирадилар ва бир–бирларига
таом улашадилар.

Пурим байрами

20 Мардохай бу воқеаларни ёзиб қўйди. Сўнгра шоҳ Ахашвераш қўли остидаги
узоқ–яқиндаги ҳамма юртларда яшаётган яҳудийларга мактублар юборди.
21 Мактубда ҳар йили Адар ойининг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кунларини
нишонлаш лозимлиги таъкидланган эди. 22 Чунки бу кунлар яҳудийлар ўз
душманларидан қутулган кунлардир. Ўша ой ғам — хурсандчиликка, мотам
байрамга айланган ойдир. Мардохай: “Шу кунлари зиёфат бериб, хурсандчилик
қилинсин, таомлар улашилсин, камбағалларга ҳадялар инъом қилинсин”, деб
буюрган эди.
23 Шундай қилиб, яҳудийлар Мардохайнинг буйруғини қабул қилдилар ва бу
байрамларини ҳар йил нишонлашни давом эттиравердилар. 24 Дарвоқе, бутун
яҳудийларнинг душмани Ўгах* наслидан бўлган Хамадото ўғли Хомон фитна
қўзғаб яҳудийларни эзиб, йўқ қилиш учун пур* — қуръа ташлаганди. 25 Лекин
Эстер шоҳнинг ҳузурига кирганда*, шоҳ яна бошқа бир мактуб орқали фармон
берганди*. Шундай қилиб, Хомон яҳудийларга қарши ёвуз режа ўйлаб қўйганди,
лекин режаси ўзининг бошига етди. Хомон ва унинг ўғиллари дорга осилди.
26 Шунинг учун бу байрамга Пурим* деб ном берилганди. Бу ном “пур” сўзидан
олинган. Шундай қилиб, яҳудийлар Мардохайнинг мактубида* ёзилганлардан,
кўрган–кечирганларидан ва бошларига тушган кўргиликлардан кейин, 27 ўзлари,
болалари ва барча қабиладошлари ўша икки кунни белгиланган вақтда,
ёзилганидай, ҳар йили доимий равишда байрам қилишга қарор қилгандилар.
28 “Бу кунлар авлодлар оша ҳамма оилада, вилоятларда, ҳар бир шаҳарда
унутилмасдан, байрам қилинсин, Пурим кунларини яҳудийлар ўтказиб
юбормасин, бу кунлар авлодлар оша давом этиб хотирлансин”, деб қарор
чиқардилар.
29 Абуҳайил қизи малика Эстер, яҳудий Мардохай билан бирга, ўз ҳуқуқи
бўйича, Пурим тўғрисидаги ўша мактубни* ёзиб, тасдиқлаганди. 30 Мардохай
Ахашверашнинг ҳукмронлиги остидаги юз йигирма еттита вилоятда яшайдиган
ҳамма яҳудийларга тинчлик–омонлик тиланган ўша мактубларни юборди.
31 Мактубда малика Эстер билан Мардохай буюрганларидай, Пурим кунларини
белгиланган санада нишонлашга қатъий риоя қилишлари айтилган эди.

Яҳудийларнинг ўзлари ва болалари рўза тутишга ва мотам одатларига амал қилганлари сингари, бу байрамга ҳам риоя қилишлари кераклиги таъкидланган эди. 32 Шундай қилиб, Пуримга оид қоидалар, Эстернинг буйруғига кўра, тасдиқланди ва китобга ёзиб қўйилди.

10–БОБ

Ахашвераш ва Мардохай шаънига мақтов

1 Шоҳ Ахашвераш* ўз шоҳлигининг бу четидан тортиб, оролларгача бўлган
жойларда ўлпон йиғарди. 2 Унинг куч–қудрати, фаолияти ва Мардохайни ҳар
жиҳатдан қандай юксалтиргани Форс ҳамда Мидия шоҳларининг “Кундалик
хотиралар китоби”да ёзилган. 3 Яҳудий Мардохай, ҳуқуқи бўйича, шоҳ
Ахашверашдан кейин турарди. У яҳудий қабиладошлари орасида улуғликка
эришди, биродарлари орасида ҳурматга сазовор бўлди. Чунки у ўз халқи
манфаати учун, ҳамма қабиладошларининг тинчлиги учун курашарди.

ИЗОҲЛАР

Шоҳ Ахашвераш — Ксеркс исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 486-465 йилларда Форс шоҳлигида ҳукмронлик қилган.

Пурим байрами — 9:24-28 оятларга ва 9:26 нинг биринчи изоҳига қаранг.

1:1 *Ахашвераш* — Ксеркс исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 486-465 йилларда Форс шоҳлигида ҳукмронлик қилган.

1:1 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

1:2 *Шушан* — Элам вилоятининг пойтахти бўлиб, Бобилдан шарқда жойлашган эди. Шушан қалъаси Форс шоҳларининг қишки қароргоҳи эди.

1:3 *ҳукмронлигининг учинчи йили* — тахминан милоддан олдинги 483 йил.

1:10 *мулозим* — қадимда сарой хизматида бўлган киши (шу бобнинг 12, 15–оятларида ҳам бор). Мулозим ҳукмдорнинг ёки саройдаги юқори лавозимдаги амалдорнинг фармонларини, топшириқларини бажарган ва уларнинг номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу ўриндаги ибронийча сўз бичилган эркакка нисбатан ҳам ишлатилган. Ҳукмдорнинг хонадонидаги аёллар билан кўп мулоқот қилиш зарурати бўлгани учун бу мулозимлар кўпинча бичиб қўйилар эди.

2:1 *Ахашвераш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:5 *Киш* — шоҳ Шоулнинг отаси (1 Шоҳлар 9:1-2 га қаранг).

2:6 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёхониё*.

2:6 *…асир қилиб олиб келганда…* — милоддан олдинги 598 йил (4 Шоҳлар 24:8-16 га қаранг).

2:12 *мирра мойи* — маълум бир дарахтлар елимидан тайёрланган хушбўй мой.

2:14 *мулозим* — қадимда сарой хизматида бўлган киши (шу бобнинг 15–оятида ҳам бор). 1:10 изоҳига қаранг.

2:14 *канизаклар* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: канизаклар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

2:14 *…бошқа ҳарамга…* — ёки *…ҳарамнинг бошқа бўлмасига….*

2:16 *…Ахашвераш ҳукмронлигининг еттинчи йили…* — тахминан милоддан олдинги 478 йил (1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг).

2:16 *Табат ойи* — иброний календарининг ўнинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

2:19 *…Мардохай саройда ўз вазифасини бажараётган эди* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…Мардохай шоҳнинг дарвозасида ўтирган эди* (шу бобнинг 21–оятида ҳам бор). Мазкур гапнинг ибронийча варианти шундан далолат берадики, Мардохай саройда маъмурий вазифада бўлган. Мардохай шоҳ хизматига Эстер саройга олиб келингандан олдин кирган бўлиши мумкин.

2:23 *…иккала хизматкор дорга осилди* — ёки *…иккала хизматкорни ўлдириб, жасадларини тик ўрнатилган ходага қоқишди*.

3:1 *шоҳ Ахашвераш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

3:1 *Ўгах* — Омолек халқининг шоҳи бўлиб, Омолеклар азалдан Исроил халқининг душмани эдилар (Чиқиш 17:8-16, Қонунлар 25:17-19, 1 Шоҳлар 15:1-33 га қаранг).

3:2 *саройдаги* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *шоҳнинг дарвозасидаги* (шу бобнинг 3–оятида ҳам бор).

3:7 *Ахашвераш ҳукмронлигининг ўн иккинчи йили…* — тахминан милоддан олдинги 472 йил (1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг).

3:7 *Нисон ойи* — иброний календарининг биринчи ойи (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

3:7 *пур* — аккад–бобил тилидаги сўз бўлиб, қуръа деган маънони билдиради.

3:7 *Адар ойи* — иброний календарининг ўн иккинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан февралнинг ўртасидан бошланади.

3:7 *…ойининг ўн учинчи куни…* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *ойининг ўн учинчи куни* деган жумла йўқ. Аммо ибронийча матндаги шу бобнинг 13–оятида кўрсатилган.

3:9 *ўн минг талант* — тахминан 340 тоннага тўғри келади.

3:12 *…шоҳнинг муҳр узуги билан тасдиқланди* — хатни муҳрлаш учун сурғучдан фойдаланилган. Юмшоқ сурғуч устига шоҳнинг узуги босилиб, хат муҳрланган. Муҳр хатнинг расмий эканини кўрсатган.

4:1 *…кийимларини йиртди, қаноргa ўраниб, устига кул сочди* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Кийимларни йиртиш, қаноргa ўраниб олиш ва устига кул сочиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

4:5 *мулозим* — қадимда сарой хизматида бўлган киши (1:10 изоҳига қаранг).

5:14 *эллик тирсак* — тахминан 23 метрга тўғри келади.

5:14 *Дор тайёрлашсин…Мардохайни ўша дорга осишсин* — ёки *Ходани тик ўрнатишсин…Мардохайни ўлдириб, жасадини ўша ходанинг учига қоқишсин*.

5:14 *дор* — ёки *хода*.

6:2 *шоҳ Ахашвераш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

6:4 *…дорга уни остириш тўғрисида…* — ёки *…ходанинг учига уни қоқтириш тўғрисида….*

6:8 *…шоҳона зеб–зийнатлар…* — тож шаклида ясалган отларнинг махсус безаги бўлиши мумкин.

6:14 *мулозим* — қадимда сарой хизматида бўлган киши (1:10 изоҳига қаранг).

7:4 *Мен ва менинг халқим…сотилганмиз* — Хомон шоҳга ваъда қилган пулга ишора (3:9 га қаранг).

7:5 *Шоҳ Ахашвераш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:8 *…Хомоннинг юзини ёпдилар* — бу ҳаракат унинг ўлимга ҳукм қилинганини билдирган.

7:9 *мулозим* — қадимда сарой хизматида бўлган киши (1:10 изоҳига қаранг).

7:9 *эллик тирсак* — тахминан 23 метрга тўғри келади.

7:9 *…дор тайёрлаб қўйган. Бу дорга Мардохайни осмоқчи…Ўша дорга Хомоннинг*

ўзини осинглар! — ёки *...ходани тик ўрнатиб қўйган. У Мардохайни ўлдириб, жасадини бу ходанинг учига қоқмоқчи...Ўша ходага Хомоннинг ўзини қоқинглар!*

7:10 *...дорга Хомоннинг ўзини осдилар* — ёки *...ходанинг учига Хомоннинг ўзини қоқдилар*.

8:1 *шоҳ Ахашвераш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

8:3 *Ўгах* — 3:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

8:7 *...уни дорга остирдим* — ёки *...уни ўлдириб, ходанинг учига қоқтирдим*.

8:9 *Шавон ойи* — иброний календарининг учинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан майнинг ўртасидан бошланади.

8:9 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш* (1:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

8:12 *Адар ойи* — 3:7 нинг тўртинчи изоҳига қаранг.

8:12 *...Адар ойининг ўн учинчи куни...* — 3:13 га қаранг.

9:1 *Адар ойи* — 3:7 нинг тўртинчи изоҳига қаранг.

9:2 *шоҳ Ахашвераш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

9:2 *...ҳамма вилоятлардаги ўзлари яшайдиган шаҳарларда...* — ёки *...ҳар бир шаҳардаги ўзлари яшайдиган даҳада...*.

9:13 *...дорга осилсин* — ёки *...ходанинг учига қоқилсин* (шу бобнинг 14, 25–оятларида ҳам бор).

9:24 *Ўгах* — 3:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

9:24 *пур* — аккад–бобил тилидаги сўз бўлиб, қуръа деган маънони билдиради.

9:25 *...Эстер шоҳнинг ҳузурига кирганда...* — 5:1-8, 7:1-10, 8:3-4 га қаранг.

9:25 *...шоҳ яна бошқа бир мактуб орқали фармон берганди* — 8:5-14 га қаранг.

9:26 *Пурим* — яҳудийларнинг бу байрами ҳар йили Адар ойининг 14-15–кунлари нишонланган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан февралнинг ўртасидан бошланади.

9:26 *Мардохайнинг мактуби* — шу бобнинг 20-22–оятларига қаранг.

9:29 *ўша мактуб* — шу бобнинг 20-22–оятларига қаранг.

10:1 *Шоҳ Ахашвераш* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

АЮБ
ПАЙҒАМБАР КИТОБИ

Кириш

Аюб китобида баён қилинган воқеалар тахминан Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб пайғамбарлар даврларида юз беради. Мазкур китоб замирида барча замонлар учун долзарб бўлган қуйидагича савол ётади: “Нима учун Худо солиҳ кишиларнинг бу ҳаётда азоб тортишларига йўл қўяди?”

Аюб ғоят бой киши эди. У чин дилдан Худога сажда қилади. У нафақат яхши инсон, балки Худога содиқ, солиҳ киши бўлади. Лекин шайтон Худога Аюбни ёмонлаб, Аюб Худодан олаётган барака туфайлигина Унга хизмат қилаётганини айтади. Шундан кейин Худо шайтонга Аюбни синаб кўришга ижозат беради. У шайтонга Аюбни бойлигидан, фарзандларидан ва ниҳоят соғлигидан маҳрум қилишга рухсат беради. Шунда ҳам Аюб Худога содиқ бўлиб қолади.

Аюбнинг бошига кулфат тушганда, уч дўсти уни юпатишга келади. Улар, соғлик ва фаровонлик — Худо марҳаматининг белгиси, деб ишонадилар. Аюб соғлигидан ҳам, фаровон ҳаётидан ҳам айрилгани учун, улар Аюбга, Худо сени қандайдир гуноҳинг учун жазолаяпти, деб айтадилар. Аюб эса ўзининг айбсизлигини таъкидлаб, дўстларининг гапларини ўринсиз деб билади. Аюб дўстлари билан кўп баҳслашади, аммо иккала томон ҳам бир–бирининг гаплари нотўғри эканини исботлай олмайди. Ниҳоят, улар баҳслашишни тўхтатадилар.

Баҳс давомида қаттиқ азоб чекаётган Аюб бир неча марта Худога ёлворади. “Нима сабабдан қийналаётганимни тушунтир”, деб Ундан талаб қилади. Лекин Худо унинг бу саволига жавоб бермайди. Аксинча, Аюбга зоҳир бўлиб, Ўзининг буюк ишлари ҳақида сўз юритади, Аюбни сўроққа тутади. Аюб Худонинг буюклиги ва донолигига тан беради. Аюб кам билса ҳам кўп гапиргани учун Худо унга танбеҳ беради. Бироқ содиқлиги учун уни мақтайди, унга кўп барака беради. Китоб якунида Аюбнинг фаровонлиги, яна фарзандлар кўргани ва олдингидан икки баравар кўпроқ бойлик орттиргани ҳақида баён қилинади.

Хуллас, азоб–уқубатлар орқали Аюб Худонинг бутун борлиқ устидан ягона Ҳукмдор эканини билиб олади, ҳар қандай вазиятда ҳам фақат Худога сажда қилиш кераклигини тан олади. Мазкур китоб бизга ҳаётимизнинг энг оғир дамларида ҳам умидимизни Худога боғлашни ва фақат Унга суяниб яшашни ўргатади.

1–БОБ

Шайтон Аюбни синайди

1 Бир вақтлар Уз* деган юртда Аюб исмли бир одам яшар эди. Бу одам айбсиз
ва солиҳ эди. У Худодан қўрқарди, фосиқликдан юз ўгирган эди. 2 Унинг етти ўғли
ва уч қизи бор эди. 3 Унинг яна етти мингта қўйи, уч мингта туяси, омочга
қўшиладиган беш юз жуфт ҳўкизи, беш юзта эшаги ва жуда ҳам кўп
хизматкорлари бор эди. Бу киши шарқда* яшайдиганлар орасида энг буюк одам
эди. 4 Аюбнинг ўғиллари бир–бирларининг уйларига бориб, зиёфатлар
уюштиришар, опа–сингилларини ҳам меҳмонга чақиришар эди. 5 Зиёфатлар
тугагандан кейин Аюб фарзандларини чақиртирарди. “Фарзандларим

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

юракларида Худони лаънатлаб, гуноҳ қилган бўлишлари мумкин", дея эрта тонгда уларнинг ҳар бири учун куйдириладиган қурбонликлар келтириб, уларни покларди. Аюб ҳар доим шундай қилар эди.

6 Бир куни илоҳий зотлар* Эгамизнинг олдига келишди. Уларнинг орасида шайтон* ҳам бор эди. 7 Шайтондан Эгамиз:

— Қаердан келяпсан? — деб сўради.

Шайтон:

— Ер юзининг у ёғидан бу ёғига юриб, айланиб чиқдим, — деб жавоб берди.

8 Шайтонга Эгамиз шундай деди:

— Қулим Аюбни кўрдингми? Ер юзида унга ўхшаган ҳеч ким йўқ. У айбсиз ва солиҳ одам. Мендан қўрқади, фосиқликдан юз ўгирган.

9 Шайтон шундай жавоб берди:

— Аюб бекордан–бекорга Сендан қўрқармиди?! 10 Унинг хонадонини, ўзини, бор нарсасини ҳимоя қиласан–ку! Ҳар бир қилган ишига барака берасан. Қара, унинг мол–қўйлари бутун юрт бўйлаб ёйилиб кетган. 11 Ҳозир ундан бор нарсасини олиб қўйгин–чи! У юзингга қараб Сени лаънатлайди.

12 Шайтонга Эгамиз шундай деди:

— Майли, Аюбнинг бор–буди сенга, фақатгина унинг ўзига қарши қўл кўтарма!

Шундай қилиб, шайтон Эгамизнинг ҳузуридан кетди.

Аюб бор–будидан маҳрум бўлади

13 Бир куни Аюбнинг фарзандлари зиёфат қилиб ўтиришган эди. Улар энг катта акаларининг уйида йиғилгандилар. 14 Аюбга бир хизматкори қуйидаги хабарни келтирди: "Ҳўкизларингизни омочга қўшиб, ер ҳайдаётган эдик. Эшаклар олдимизда ўтлаб юрганди. 15 Бир тўда Саволиклар* бизга ҳужум қилишди. Улар ҳамма ҳайвонларни ўғирлаб кетишди. Далада ишлаётганларнинг ҳаммасини эса ўлдиришди. Фақатгина мен қочиб қолишга улгурдим. Шуларни сизга айтишга келдим." 16 У шу гапларни айтиб улгурмасданоқ, яна бир хабарчи келиб, шундай деди: "Осмондан яшин тушиб, ҳамма қўю чўпонларингизни куйдириб юборди. Фақатгина мен қочиб қолишга улгурдим. Шуларни сизга айтишга келдим." 17 У гапларини тугатмасдан туриб, учинчи хабарчи келиб шундай деди: "Уч тўда Халдейлар* келиб, туяларингизни ўғирлаб кетишди. Хизматкорларингизни эса ўлдиришди. Фақатгина мен қочиб қолишга улгурдим. Шуларни сизга айтишга келдим." 18 У шу гапларни айтаётган ҳам эдики, яна бир хабарчи келиб деди: "Ўғил–қизларингиз энг катта акаларининг уйида зиёфат қилиб ўтиришган эди. 19 Бирданига чўлдан қаттиқ шамол туриб, уйни тўртала томонидан урди. Уй қулаб тушиб, фарзандларингизни босиб қолди. Уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди. Фақатгина мен қочиб қолишга улгурдим. Шуларни сизга айтишга келдим."

20 Аюб туриб, қайғудан кийимини йиртиб ташлади. Кейин сочини қириб ташлаб*, ерга мук тушди. 21 У шундай деди: "Онамнинг қорнидан яланғоч тушгандим, дунёдан ҳам яланғоч кетаман. Ҳамма нарсамни Худо берган эди, Худонинг Ўзи олиб қўйди. Эгамнинг номига ҳамду санолар бўлсин!"

22 Шунча кўргиликлардан кейин ҳам, Аюб Худони айбламади, гуноҳ қилмади.

2–БОБ

Шайтон Аюбни такрор синайди

1 Бир куни илоҳий зотлар* Эгамизнинг олдига келишди. Шайтон* ҳам

Эгамизнинг ҳузурига келди. [2] Шайтондан Эгамиз:
— Қаердан келяпсан? — деб сўради.
Шайтон:
— Ер юзининг у ёғидан бу ёғига юриб, айланиб чиқдим, — деб жавоб берди.
[3] Шайтонга Эгамиз шундай деди:
— Қулим Аюбни кўрдингми? Ер юзида унга ўхшаган ҳеч ким йўқ. У айбсиз ва солиҳ одам. Мендан қўрқади, фосиқликдан юз ўгирган. Сен эса бекорга Мени унга зарар кўрсатишга ундадинг. Қара, у ҳали ҳам солиҳлигида маҳкам турибди.
[4] Шайтон шундай жавоб берди:
— Жонига азоб бериб кўр–чи, нима қилар экан?!* Кўрасан, инсон ўз жонини сақлаб қолиш учун ҳамма нарсадан воз кечади. [5] Ҳозир унинг танасини дардга йўлиқтиргин, у юзингга қараб Сени лаънатлайди.
[6] Шайтонга Эгамиз шундай деди:
— Майли, Аюбни қўлингга топширдим. Уни фақат тирик қолдиргин.
[7] Шайтон Эгамизнинг ҳузуридан чиқиб, Аюбни бошидан оёғигача жирканчли яралар билан қоплаб ташлади. [8] Аюб кул уюмлари орасида, сопол парчаси билан яраларини қашлаб ўтирарди.
[9] Хотини унга:
— Ҳамон солиҳлигингизда маҳкам тураверасизми?! Худони лаънатланг–да, ўлиб қўя қолинг, — деди.
[10] Аюб эса хотинига шундай жавоб берди:
— Сен аҳмоқ хотинлардай гапиряпсан. Худонинг қўлидан яхши нарсаларни қабул қиламиз–у, ёмонларини олмаймизми?
Шунча азоб–уқубатдан кейин ҳам Аюб Худога қарши гапириб, гуноҳ қилмади.

Аюбнинг дўстлари келади

[11] Аюбнинг бошига тушган кулфатлар ҳақида унинг уч дўсти эшитди. Булар Темонлик Элифаз, Шувахлик Билдад ва Намахлик* Зўфар деган одамлар эди. Улар йиғилишиб, Аюбга ҳамдардлик билдириш ва тасалли бериш ниятида уни кўришга келдилар. [12] Дўстлари Аюбни узоқдан кўриб таний олмадилар. Қаттиқ дод–фарёд солиб, кийимларини йиртишди, бошлари узра тупроқ сочишди. [13] Улар Аюб билан бирга етти кун–етти кеча ерда ўтирдилар. Мана шу кунлар давомида ҳеч бири Аюбга гапирмади, чунки у жуда қаттиқ азоб чекаётганини кўриб турар эдилар.

3–БОБ

Аюбнинг илк нутқи: у туғилган кунини лаънатлайди

[1] Охири Аюб сўз бошлаб, ўзи дунёга келган кунни лаънатлади. [2] У шундай деди:

[3] “Мен туғилган кун қирилиб кетсин,
Мен яратилган кеча лаънати бўлсин.
[4] Ўша кун зулматга айланиб қолсин!
Ҳатто Худо ҳам шу кунни эсламасин,
Ўша кун ҳеч қачон нур кўрмасин.
[5] Зимзиё зулмат уни қамрасин,
У кунни булутлар беркитсин,
Қуёш нурини қоронғилик тўсиб қўйсин.
[6] Ҳа, ўша кечани зулмат ютиб юборсин!

Йил кунлари орасида ҳеч қачон саналмасин,
Ойларнинг ҳисобига ўша кеча кирмасин.
7 Ўша кеча қисир бўлсин,
Ундан шодлик овози янграмасин.
8 Махлуқ Левитанни* чақиришга қодир бўлганлар уни қарғасин,
Ҳа, лаънат ўқийдиганлар ўша кечага қарғиш ёғдирсин.
9 Ўша кечада тонг юлдузлари чарақламасин.
Ўша кеча ёруғликка умид қилсин–у,
Аммо тонг шуъласини кўрмасин.
10 Онамнинг бачадонини беркитмагани учун,
Мени шунча қайғудан холи қилмагани учун
Ўша кеча лаънати бўлсин.

11 Нима учун ўлик туғилмадим?!
Онам қорнидан тушибоқ, ўлмадим?!
12 Нима учун онам мени тиззаларида олиб ўтирди экан?!
Нима учун мени эмизди экан?!
13 Ўлганимда эди, ҳозир тинч ётган бўлардим.
Ухлаб, ором олиб ётган бўлардим.
14 Вайроналарни тиклашга қодир бўлган
Шоҳу амалдорлар билан бирга бўлардим.
15 Тиллага бой, уйларини кумушга тўлдирган
Шаҳзодалар қатори ётган бўлардим.
16 Нима учун ўлик туғилган боладай бўлмадим?!
Нима учун ёруғлик кўрмаган чақалоқдай кўмилмадим?!
17 Ахир, қабрда фосиқлар ҳам
Фосиқлик қилишдан тўхтайдилар–ку!
Чарчаганлар ҳам дам оладилар–ку!
18 Асирлар у ерда жам бўлиб тинч яшайди,
Назоратчиларнинг бақир–чақири эшитилмайди.
19 Катта ҳам, кичик ҳам у ерда бордир,
Қуллар ҳам ниҳоят у ерда озоддир.

20 Нима учун қийналганга ёруғлик берилган,
Қайғуга ботганга эса ҳаёт ато қилинган?!
21 Улар ўлимни кутадилар, лекин ўлим келмайди,
Қимматбаҳо хазинадан ҳам кўра,
Кўпроқ ўлимни излайди улар.
22 Ўлим топганларида улар жуда қувонади,
Шодликдан бошлари осмонга етади.
23 Нима учун йўлни кўролмайдиганларга ёруғлик берилган?!
Ахир, Худо уларнинг йўлини тўсиб қўйган–ку!
24 Нон ейиш ўрнига оғир уф тортаман,
Чуқур оҳу нолаларим сувдай оқиб чиқяпти.
25 Ҳа, нимадан қўрққан бўлсам, ўша бошимга тушди.
Хавфсираганларим содир бўлди.
26 Кўнглим тинч эмас, менда хотиржамлик йўқ,
Тинчлик йўқ, ғам–ташвиш эса келаверади.”

4–БОБ

Элифаз гапиради: у Аюбни гуноҳда айблайди

1 Шундан кейин Темонлик* Элифаз Аюбга шундай деди:

2 “Бир гап айтсам, хафа бўлмайсанми?
Ахир, ким гапирмай жим тура олади?!
3 Сен кўпларга насиҳат қилар эдинг.
Ожизларга ёрдам берар эдинг.
4 Қоқилганларга сўзларинг билан далда берардинг,
Оғир юк остида эзилганларга куч бағишлардинг.
5 Энди эса азоб–уқубатга учраганингда тушкунликка тушяпсан,
Ўз бошингга тушганлардан саросимада ўтирибсан.
6 Худодан қўрқишинг умидинг бўлиши керак эмасми?!
Йўлларинг тўғрилиги сенга умид бағишламайдими?!

7 Ўйлаб кўргин–чи, қачон айбсиз инсон ҳалок бўлган?!
Бирор ерда солиҳ киши ҳеч йўқ қилинганми?!
8 Ўз ҳаётимда кўрганман, ким ёвузлик,
Ғам–ғусса экса, худди ўшани ўради.
9 Худонинг нафаси уларни ўлдиради,
Худонинг ғазабидан фосиқлар даф бўлади.
10 Уларнинг шерникидай бўлган овозларини Худо ўчиради,
Ўша махлуқларнинг тишларини Худо синдиради.
11 Ўлжа йўқлигидан у шерлар ҳалок бўлади,
Шерваччалари ҳам узоқларга тарқалиб кетади.

12 Менга бир сўз яширинча келди,
Қулоғимга шивирлаб эшитилди.
13 Инсонлар чуқур уйқуда бўлганда,
Ташвишли тушларда бу сўз келди.
14 Мени қўрқув–қалтироқ босди,
Бутун вужудим ларзага келди.
15 Бир руҳ юзимни силаб ўтди,
Шунда тукларим тикка бўлиб кетди.
16 Руҳ тўхтаб, қимирламай турди,
Аммо уни аниқ кўрмадим.
Кўз олдимда бир шарпа турар эди.
Сукунат чўкди, кейин бир овоз эшитдим:
17 «Инсонлар Худонинг олдида солиҳ бўла оладими?!
Одамлар Яратувчисининг олдида пок бўла оладими?!
18 Ахир, Худо ҳатто Ўз фаришталарига ишонмайди–ку,
Улардан ҳам айб топади–ку!
19 Шундай экан, тупроқдан яратилган инсонлардан,
Лойдан бино бўлган, куядай эзиладиган
Одамлардан қанчалар айб топади?!
20 Ахир, улар эрталаб бор,
Кечаси эса йўқ бўлиб кетадиган инсонлар–ку!
Уларнинг номи абадий ўчиб кетади.
21 Чодирларининг арқонлари узиб ташланади,

Улар доноликка етишмай ҳалок бўладилар.»

5–БОБ

Элифаз гапида давом этади

1 Қани, Аюб, ҳозир чақириб кўр–чи,
Ким сенга жавоб берар экан?
Қайси фариштa сенга ёрдамга келар экан?
2 Ранж–алам нодонни* ҳалок қилади,
Ҳасад соддани ўлдиради.
3 Нодонларнинг илдиз отиб, кўкарганини кўрдим,
Бирданига уларнинг уйларини лаънатладим.
4 Уларнинг фарзандлари хавфдан узоқ бўлмайди.
Ҳукм пайтида уларни эзадилар,
Лекин ҳеч ким уларни ҳимоя қилмайди.
5 Нодонлар етиштирган ҳосилни оч қолганлар еб қўяди,
Ҳатто тиканлар билан ўралганларини ҳам олиб қўяди.
Нодонларнинг бойлигини чанқаганлар ютиб юборади.
6 Ахир, қайғу ердан униб чиқмайди–ку,
Ғам–ташвиш далада ўсмайди–ку!
7 Алангадан учқун сакраб чиққани каби,
Инсон ҳам ўзи учун муаммо келтириб чиқаради.

8 Мен Худога интилган бўлар эдим,
Ўз арзимни Худога айтган бўлардим.
9 У шундай буюк ишлар қиладики,
Уларга инсоннинг ақли етмайди.
Худо кўрсатган мўъжизаларнинг сон–саноғи йўқ.
10 У ер юзига ёмғир ёғдиради,
Далаларни суғоради.
11 Хор бўлганларни кўтаради,
Қайғуга тўлганларни шодликка тўлдиради.
12 У айёрларнинг режаларини пучга чиқаради,
Шунда уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.
13 У доноларни ўзларининг айёрлиги орқали тутиб олади,
Эгриларнинг ниятларини пучга чиқаради.
14 Кундуз куни ҳам улар зулматда қолишади,
Ёп–ёруғ кунда ҳам пайпасланиб юришади.
15 Лекин Худо фақирларни эгриларнинг аччиқ сўзларидан,
Золимларнинг чангалидан қутқаради.
16 Шу боис камбағалларнинг умиди бор,
Ноҳақликнинг эса оғзи ёпилади.

17 Худонинг панд–насиҳатини олганлар қандай бахтлидир,
Шунинг учун Қодир Худонинг танбеҳини рад қилмагин.
18 Худо яралайди, аммо Ўзи боғлаб қўяди.
Худо уради, лекин яна Ўзи шифо беради.
19 У сени олти ғам–ташвишдан қутқаради,
Ҳа, етти қайғу–алам сенга яқинлашмайди.
20 Қурғоқчилик пайтида Худо сени ўлимдан,

Уруш пайтида эса қиличдан сақлайди.
21 Худо сени заҳарли тиллардан ҳимоя қилади,
Ҳалокат келганда сен қўрқувга тушиб қолмайсан.
22 Вайронаю қурғоқчилик устидан куладиган бўласан,
Ер юзидаги ёввойи ҳайвонлардан қўрқмайдиган бўласан.
23 Ер ҳайдаганингда далангда тошлар бўлмайди,
Ёввойи ҳайвонлар сенга ҳужум қилмайди.
24 Уйинг бехатар эканлигини биласан,
Подаларингни текширганингда ҳаммаси ўз жойида бўлади.
25 Фарзандларинг кўп бўлади,
Авлодинг даладаги майсадай кўпаяди.
26 Сен бевақт қабрга кирмайсан,
Ўз вақтида йиғилган буғдой донидай бўласан.
27 Буларнинг ҳаммаси тўғри,
Ўз тажрибамиздан биламиз.
Энди насиҳатларимизга қулоқ сол,
Уларни қабул қил.”

6–БОБ

Аюбнинг иккинчи нутқи: ноҳақлик қилмагани ҳақида

1 Шундан кейин Аюб яна гапирди:

2 “Қани энди, қайғуларимни ўлчашнинг иложи бўлса эди,
Менинг кулфатларим тарозида тортиб кўрилса эди.
3 Улар денгиз қумларидан ҳам оғирроқ чиққан бўлар эди.
Шунинг учун ҳам бўлар–бўлмас гаплар айтдим.
4 Қодир Худо отган найзалар* танамдадир,
Руҳим уларнинг заҳридан ичмоқда.
Худонинг барча даҳшатлари менга қарши тайёрланган.
5 Асов эшак ўт йўқлигида ҳанграйди–ку!
Ҳўкиз ҳам охурида ем бўлмаса бўкиради–ку!
6 Тузсиз овқатни еб бўлмайди–ку!
Пиширилмаган тухум оқи ахир, нақадар бемаза!
7 Уларни кўриб иштаҳам йўқолади.
Уларни ейишни ўйласам кўнглим айнийди.

8 Қани энди, тилагим бажо бўлса эди,
Худо ниятимни бажо келтирса эди!
9 Қани энди, Худо мени эзиб ташлашга рози бўлса эди,
Қўлига эрк бериб, жонимни олса эди.
10 Ана ўшанда мен тасалли топган бўлардим,
Ҳатто оғриқларимга қарамай қувонган бўлардим,
Чунки Муқаддас Худонинг сўзларини мен рад қилганим йўқ.
11 Қачонгача кутаман ахир, кучим етармикан?!
Охири нима бўлади ўзи?
Нима учун сабр–тоқат қилишим керак?!
12 Мен тошдай қаттиқ эмасман–ку!
Менинг танам темирдан эмас–ку!
13 Йўқ, ўзимга ўзим ёрдам беролмайман,

Ҳеч бир чора–иложим йўқ.

14 Қайғу–алам тортаётган инсон
Қодир Худодан қўрқишни рад қилган бўлса ҳам,
Ўша инсонга содиқ дўстлар керак*.
15 Аммо дўстларимга ҳам ишониб бўлмайди,
Улар оқиб ўтиб кетадиган ирмоқлардайдир.
16 Ўша ирмоқлар музу қор эриганда тошиб оқади,
17 Иссиқ ҳавода эса улар қуриб қолади,
Кун қизиганда ғойиб бўлади.
18 Карвонлар бу ирмоқларни қидириб,
Йўлларидан адашиб кетадилар.
Юриб–юриб, чўлда ҳалок бўладилар.
19 Темо юртининг карвонлари ҳам сув қидириб келадилар,
Шава юртидан* келганлар ҳам сувга умид қиладилар.
20 Аммо ўша ирмоқларга ишонганлар тушкунликка тушадилар,
У ерга бориб, гангиб қоладилар.
21 Сизлар ҳам мен учун худди ўша ирмоқлардайсизлар.
Кулфатимни кўриб туриб, ваҳимага тушяпсизлар.
22 Сизлардан бирон нарса сўрадимми?!
Ёки бойлигингиздан бериб, мени қутқаринглар, деб айтдимми?!
23 Душманларимнинг қўлидан қутқаринглар, дедимми?!
Ёки зўравонлардан мени халос қилинглар, деб сўрадимми?!

24 Менга ўргатинглар, майли жим тураман.
Қандай нотўғри иш қилганимни тушунтириб беринглар.
25 Ҳақиқат сўзлари нақадар аччиқ!
Лекин гапларингиз нимани исботлаяпти?
26 Мени беҳуда гапларни айтяпти, деб ўйлайсиз.
Шундай экан, нимага тушкунликда айтганларимга жавоб қайтарасиз?!
27 Сизлар ҳатто етимлар учун қуръа ташлаган бўлардингиз.
Дўстингиз устидан савдолашиб, уни сотган бўлардингиз.

28 Энди марҳамат қилиб менга қаранглар,
Мен сизларга ёлғон гапирмайман.
29 Бас энди, ноҳақлик қилманг.
Ахир, менинг айбим йўқ–ку!
30 Ё гапимда бирор ноҳақлик борми?
Тилим ёвузликнинг таъмини ажрата билмайдими?!

7–БОБ

1 Инсоннинг ердаги меҳнати машаққатли–ку!
Унинг кунлари мардикорнинг кунига ўхшайди–ку!
2 Ҳа, инсон сояни қўмсаган қулга ўхшайди!
Ўз ҳақини кутган мардикордайдир у!
3 Менга ҳам мақсадсиз ойлар,
Қайғуга тўла тунлар берилган.
4 Ётганимда: «Қачон тонг отаркан?» — дейман,
Лекин тун жуда чўзилиб кетади,

Тонг отгунча ағнаб чиқаман.
5 Танамни қурт ва яра босиб кетган,
Терим ёрилиб, йиринглаб кетган.
6 Кунларим бўзчининг мокисидан* ҳам тезроқ ўтади,
Асло умид бағишламай ўтиб кетаверади.

Аюб Худога ёлворади

7 Эй Худойим, ҳаётим бир нафасдай эканлигини ёдингда тут,
Кўзларим энди ҳеч қачон яхшиликни кўрмайди.
8 Ҳозир мени кўриб турибсан, лекин бу узоққа чўзилмас,
Мени қидирасан, лекин мен ўшанда бўлмайман.
9 Булут тарқалиб, йўқ бўлиб кетади.
Худди шунга ўхшаб, ўликлар диёрига* кетганлар қайтиб келмайди.
10 Улар уйларига қайтиб келмайдилар,
Ўз яшаган жойларида уларни билмайдилар.

11 Шунинг учун жим бўлмай,
Ўз дардимни баён қиламан,
Алам–ҳасратда шикоят қиламан.
12 Эй Худойим! Нима учун устимдан қўриқчи қўйдинг?
Мен денгизманми ёки денгиз махлуқиманми?*
13 «Тўшагим менга тасалли берар,
Уйқу дардимни енгиллаштирар», — десам,
14 Тушлар орқали мени қўрқитасан,
Ваҳийлар орқали даҳшатга соласан.
15 Шунда мен, қани энди бўғилиб қўя қолсам, дейман,
Ахир, шу жисмимда яшашдан кўра, ўлим афзалроқ.
16 Ҳаётимдан нафратланяпман, абадий яшамайман.
Ҳаётим бир нафасдай бўлса ўзи, мени тинч қўйгин, ахир!
17 Инсон ким бўлибдики,
Унга шунчалик эътибор берсанг?!
Одам ким бўлибдики,
У ҳақда ўйласанг?!
18 Ҳар тонг уни текшириб,
Ҳар лаҳзада синасанг?!
19 Бир лаҳзага мендан юз ўгиргин,
Тинч қўйгин, ҳеч бўлмаса бир ютинай.
20 Гуноҳ қилган бўлсам, Сенга нима, эй одамзод Қўриқчиси?!
Нима учун мени Ўзингга нишон қилиб олдинг?!
Сенинг менда қасдинг борми?!*
21 Нима учун гуноҳимни кечириб,
Айбимдан фориғ қилмайсан?
Ахир, яқинда тупроққа қайтаман–ку!
Мени қидирганингда эса йўқ бўлиб кетган бўламан.”

8–БОБ

Билдад гапиради: у Аюбни тавбага чақиради

1 Шувахлик* Билдад Аюбга шундай деди:

2 “Қачонгача шундай гапларни гапирасан?
Оғзингдан чиққан сўзлар шамолга ўхшайди–я!
3 Худо адолатга хиёнат қиладими?
Қодир Худо ҳақиқатнинг йўлини тўсадими?
4 Фарзандларинг Унга қарши гуноҳ қилган бўлса,
Худо уларни гуноҳлари учун жазолади.
5 Худога юз бургин,
Қодир Худога ёлворгин.
6 Агар пок ва солиҳ бўлсанг,
Албатта У сенга қўлини узатиб,
Сени ўз ҳаққоний жойингга қайтаради.
7 Охири шунчалик фаровон бўласанки,
Аввалги ҳолатинг ночордай туюлади.

8 Ана, ўтиб кетганларга қарагин,
Аждодларимизнинг қилганларига эътибор бергин.
9 Ахир, биз кечагина туғилганмиз, ҳеч нарса билмаймиз,
Ҳаётимиз ҳам соядек ўтиб кетади.
10 Аждодларимиз сенга муаллим бўлади,
Уларнинг ақл–заковатидан сабоқ ол.

11 Тўқайзор бўлмаса қамиш ўсадими?!
Сув бўлмаган жойда қамиш бўй чўзадими?!
12 Қамишлар ҳали кўкариб турган пайтдаёқ,
Кесилишга тайёр бўлмай туриб,
Ҳамма ўтлардан олдин сўлиб қолади.
13 Ҳа, Худони унутганлар ҳам шу кўйга тушади,
Бетавфиқларнинг умиди пучга чиқади.
14 Улар умид боғлаган нарсалар жуда мўртдир,
Улар ишонган нарсалар ўргимчакнинг тўрларидайдир.
15 Улар ўз уйига суянадилар, аммо уй бузилиб кетади.
Уйини маҳкам ушлайдилар, лекин уй бардош бермайди.
16 Фосиқлар яхши суғорилган,
Қуёш нури остида ўсаётган бутага ўхшайдилар,
Новдалари бутун боғ бўйлаб ёйилиб кетган.
17 Илдизлари тошларга чирмашиб,
Ўша ердан ўзига жой қидиради.
18 Лекин илдиз юлиб ташланганда,
Ўсган жойи ҳам билинмайди.
19 Ҳа, фосиқларнинг шодлиги узоққа чўзилмайди,
Бошқалар чиқиб, уларнинг ўрнини олади.

20 Айбсиз кишини Худо ҳеч рад қилмайди,
Ёвузларга эса ёрдам қўлини узатмайди.
21 У ҳали оғзингни кулги билан тўлдиради,
Лабларингдан эса шодлик садосини янгратади.
22 Сендан нафратланганлар уятга қоладилар,
Фосиқларнинг чодири вайрон бўлади.”

9–БОБ

Аюбнинг учинчи нутқи: Худодан қутқарадиган ҳакам йўқ

1 Аюб жавоб бериб, шундай деди:

2 “Ҳа, биламан, айтганларингнинг ҳаммаси тўғри,
Лекин қандай қилиб инсон Худонинг назарида ҳақ бўла олади?
3 Агар бирор инсон Худо билан баҳсга киришса,
У Худонинг мингта саволидан биттасига ҳам жавоб бера олмасди.
4 Ҳа, Худо доно ва қудратлидир,
Ким Худога қарши чиқиб, Ундан устун бўлган?!
5 Худо огоҳлантирмай тоғларни ағдаради,
Ғазаб алангасида уларни йиқитади.
6 Ерни жойидан қўзғатиб, силкитади,
Замин устунларини* титратади.
7 Қуёшга амр берса, у нур сочмайди,
Юлдузларнинг нурини ўчиришга қодир Худодир У.
8 Унинг Ўзи самони ёйган*,
Денгиз тўлқинларини топтаб юради*.
9 Ҳулкар* юлдузини, Катта айиқ буржи ва Парвин* юлдузларини,
Бутун жанубдаги юлдуз туркумларини яратган Худодир У.
10 Инсон ақли бовар қилмайдиган буюк ишлар қилади Худо,
У қилган мўъжизаларнинг сон–саноғи йўқдир.
11 У ёнгинамдан ўтиб кетса ҳам,
Мен Уни кўра олмайман.
Ўз йўлида давом этиб кетаверади,
Унинг ўтганини пайқамай қоламан.
12 У олиб қўяман, деса, ким тўхтата олади?!
Ким Ундан: «Нима қиляпсан?» деб сўрай олади?!

13 Худо Ўз ғазабини тутиб турмайди,
Ҳатто махлуқ Раҳоб* ёрдамчилари Унинг оёғи остида қалтирайди.
14 Мен ким бўлибманки, Унга жавоб бера олсам,
У билан баҳслашиш учун керакли сўзлар тилимга келса?!
15 Айбсиз бўлсам ҳам, Унга жавоб бера олмаган бўлардим,
Ҳакамдан фақат раҳм–шафқат тилаган бўлардим.
16 Агар Уни чақирсам, У менга жавоб берса ҳам,
Гапларимга қулоқ солишига ишонмайман.
17 Худо бўрон чақириб, мени эзмоқда*,
Ҳеч бир сабабсиз яраларимни кўпайтирмоқда.
18 Нафасимни ростлаб олишга ҳам имкон бермаяпти,
Юрагимни қайғуга тўлдиряпти.
19 Агар куч синалса, албатта У энг кучлиси бўлиб чиқади.
Одиллик масаласида эса ким Уни маҳкамага чақириб келади?!
20 Гуноҳсиз бўлсам ҳам, ўз оғзим мени айбдор деб топади,
Айбсиз бўлсам ҳам, ўз оғзим мени эгри деб ҳукм қилади.
21 Айбсизман, аммо менга барибир,
Ўз ҳаётимдан нафратланяпман.
22 Эҳ, ҳаммаси барибир экан, шунинг учун ҳам:
«У айбсизни ҳам, фосиқни ҳам ҳалок қилади», деб айтаман.

23 Кулфат кутилмаганда одамга ўлим келтирса,
Айбсизнинг бошига тушган офатдан Худо кулади.
24 Бутун ер юзи фосиқлар қўлида,
Худо ҳакамларнинг кўзларини боғлаб қўйган.
Агар У боғламаган бўлса,
Яна ким боғлаган бўлиши мумкин?!

25 Ҳаётим чопағон кишидан ҳам тезроқ ўтиб кетади.
Шунчалик тезки, ҳеч фароғат кўрмай ўтиб кетаман.
26 Умрим тез сузадиган қайиқлардай кўзга кўринмай кетади,
Ўз ўлжасига ташланган бургутдай тездир.
27 «Энди ҳеч нолимайман,
Қайғули чеҳрам ёришсин,
Хурсанд бўлай», дегим келади,
28 Лекин янада кўпроқ келадиган ғам–аламдан қўрқаман.
Ахир, Сен мени айбсиз ҳисобламайсан.
29 Модомики, айбдор эканман,
Ҳаракат қилишимдан нима фойда бор?
30 Қор сувида чўмилиб,
Қўлларимни совун билан ювсам–да,
31 Эй Худо, Сен мени лой чуқурга ташлайсан,
Ҳатто кийимларим ҳам мендан нафратланади.
32 Худо инсон эмаски, мен У билан баҳслашсам,
Мен билан даъволашгин деб, Уни чақирсам.
33 Иккимиз орамизда ҳакам йўқки,
Бизни ажрим қилса.
34 Ҳакам бўлганда, Худонинг таёғини устимдан олиб ташлаган бўларди,
Ўшанда Худо мени бошқа даҳшатга солмасди.
35 Қўрқмасдан Унга гапира олган бўлардим,
Лекин ҳозирги аҳволимда ундай қилолмайман.

10–БОБ

Аюб Худога шикоят қилмоқчи бўлади

1 Ҳаётдан тўйдим!
Эвоҳ, энди бемалол шикоят қилишдан,
Алам–ҳасрат билан гапиришдан ўзимни тиймайман.
2 Худога шундай дейман: «Мени ҳукм қилавермасдан,
Менга қарши бўлган даъволарингни айт.
3 Мени эзишдан Сенга бирор фойда борми ўзи?
Фосиқларга шодлик билан фаровонлик беряпсан–у,
Нима учун мени — Ўз қўлларинг ижодини рад этяпсан?!
4 Сенинг инсонникига ўхшаш кўзларинг борми?!
Сенинг дунёқарашинг инсонларники билан бирми?!
5 Умринг инсон умридай қисқами?!
Йилларинг инсон ҳаёти йилларидай эмас–ку!
6 Нима учун мендан айб қидирасан,
Гуноҳ топишга ҳаракат қиласан?
7 Ахир, Ўзинг биласан, мен айбсизман,

Ҳеч ким мени Сенинг қўлингдан қутқара олмайди.
8 Ахир, қўлларинг билан мени Ўзинг ясагансан,
Ўзинг мени яратгансан,
Энди эса мени бутунлай ҳалок қилмоқчисан.
9 Сен мени лойдан бунёд қилганингни эслагин.
Энди мени яна тупроққа қайтармоқчимисан?!
10 Мени сутдай қуйиб,
Пишлоқдай қотирган Ўзинг–ку*.
11 Сен Ўзинг мени эту тери билан қоплаб,
Менга суягу пайлар ато қилдинг.
12 Сен менга ҳаёт бағишлаб, садоқатли севгингни кўрсатдинг.
Ўзинг ғамхўрлик қилиб, ҳаётимни сақладинг.
13 Лекин юрагингда бошқа бир ният бор эди.
Сенинг ўй–хаёлларингни биламан:
14 Гуноҳ қилсам, мени кузатиб турган бўласан,
Айбимни жазосиз қолдирмайсан.
15 Фосиқ бўлсам, ўзимдан кўрай!
Аммо айбсиз бўлсам ҳам,
Шунчалик уятга қолдимки,
Шунчалик қайғуга ботдимки,
Бошимни кўтара олмаяпман.
16 Бошимни кўтарсам, шердай мени пойлайсан,
Ўз буюк қудратингни менга қарши ишлатасан.
17 Менга қарши янги гувоҳлар чақираверасан.
Менга бўлган ғазабинг янада ошиб бораверади,
Устимга яна янги қўшинлар бостириб келаверадилар.

18 Эвоҳ, нима учун мени бу дунёга келтирдинг?
Қанийди, туғилишим биланоқ,
Биров мени кўриб улгурмасдан,
Ўлиб қўя қолганимда эди.
19 Ҳеч нарса кўрмаган бўлардим,
Онам қорнидан тўғри қабрга борган бўлардим.
20 Ҳаётим қисқа, кунларим саноқли эмасми, ахир?!
Мени тинч қўй, озгина бўлса ҳам, хурсанд бўлай.
21 Ҳеч ким қайтиб келмайдиган зулмат юртига*,
Тим қоронғи ерга боришимдан олдин озгина қувонай.
22 Тун ярмидаги зулматдай қоронғи бўлган юртга кетаман.
Қоп–қоронғи ҳеч бир тартиб бўлмаган бир жойга,
Ҳатто нури ҳам зулмат бўлган ерга кетаман, ахир!»”

11–БОБ

Зўфар гапиради: у Аюбнинг жазога лойиқлигини таъкидлайди

1 Кейин Намахлик* Зўфар шундай деди:

2 “Шунча кўп гап жавобсиз қолаверадими?
Кўп гапирган инсон оқланар эканми?
3 Бекорчи гапларинг бошқаларнинг овозини ўчириб қўйдими?
Наҳотки мазах қилиб айтган гапларинг учун ҳеч ким сени уялтирмаса?

4 Сен: «Мен ҳақман, бунга ишончим комил,
Ўзим ҳам Худонинг назарида покман», деб айтасан.
5 Қани энди, Худо гапирса,
Унинг Ўзи сенга қарши оғиз очса эди.
6 Қани энди, У сенга доноликнинг сирларини билдирса эди.
Ахир, ҳақиқий донолик кўп қиррали–ку!
Билиб қўй, Худо сени ўз гуноҳларингга яраша жазолагани йўқ,
Жазони анча кам беряпти.

7 Хўш, Худонинг сирларини англай оласанми?!
Қодир Худонинг комиллигини била оласанми?!
8 Худонинг донолиги осмондан ҳам юксакдир,
Сен нима қила олардинг?!
Худонинг донолиги ўликлар диёридан* ҳам чуқурроқдир,
Сен нимани била олардинг?!
9 Унинг ўлчами ер тевараги дан ҳам узунроқ,
Денгиздан ҳам кенгроқдир.
10 Худо келиб, сени қамоққа ташласа,
Ёки ҳаммани ҳукмга йиғса,
Ким Уни тўхтата оларди?
11 Албатта У ёлғончиларни билади,
Ёвузликни кўрганда, эътиборга олади–ку!
12 Асов эшакдан одам туғилмагандай,
Нодон* ҳам доноликка эриша олмайди.

13 Ўз юрагингни Худога бағишла,
Ибодат қилиб, қўлларингни У томон чўзгин.
14 Қўлларинг гуноҳдан булғанган бўлса, поклагин,
Чодирингда ёвузликка жой бермагин.
15 Шунда сен уялмасдан бошингни тик кўтариб юрасан.
Қўрқувдан холи бўлиб, барқарор турасан.
16 Қайғуларингни эсдан чиқарасан,
Улар оқиб кетган сувлардай бўлиб қолади.
17 Ҳаётинг кундузги нурдай ёруғ бўлади,
Ҳар қандай зулмат тонгдай бўлиб қолади.
18 Умидинг борлиги учун ишончинг комил бўлади,
Атрофингда ҳимоянг бўлиб, тинчликда ором оласан.
19 Ётганингда ҳеч кимдан қўрқмайдиган бўласан,
Ҳамма сендан марҳамат истаб келади.
20 Фосиқларнинг кўз нури сўнади,
Улар қочишга йўл тополмайдилар,
Ўлиб қутуламиз, деб умид қиладилар.”

12–БОБ

Аюбнинг тўртинчи нутқи: ҳаммага мазах бўлгани ҳақида

1 Аюб шундай деб жавоб берди:

2 “Ҳа, сизлар ҳамманинг ўрнига гапирасизлар, тўғрими?
Ўлсангиз, донолик ҳам сиз билан бирга ўлса керак–а?!

3 Мен ҳам бир–иккита нарса биламан,
Сизлар мендан устун эмассизлар.
Сизлар айтаётганларни ким ҳам билмас экан?!

4 Мен Худога илтижолар қиляпман.
Унинг жавоб беришини кутяпман.
Дўстларим эса устимдан кулаверадилар.
Солиҳ ва айбсиз бўлсам ҳам, ҳаммага мазах бўлиб қолдим.
5 Беташвиш юрганлар кулфатга такаббурлик билан қарайдилар.
Фалокатни қоқилаётганларнинг тақдири деб биладилар.
6 Ўғриларнинг чодирида ҳам тинчлик ҳукмрон,
Худонинг ғазабини келтирадиганлар ҳам хавф–хатарсиз юрибди.
Гўё улар «гаҳ» деса, Худо қўлига қўнади!*

7 Мана, ҳайвонлардан сўранглар,
Улар сизларга ўргатадилар.
Осмондаги қушлардан сўранглар,
Улар сизларга айтиб берадилар.
8 Ердан сўранглар, у сизларга йўл–йўриқ кўрсатади.
Денгиздаги балиқлар сизларга тушунтирадилар.
9 Мана шу жонзотларнинг орасида қайси бири
Ҳаммасига Эгамиз сабабчи эканини билмайди?!
10 Ҳар бир жониворнинг ҳаётию
Инсонларнинг нафаси Унинг қўлидадир.
11 Оғиз овқатнинг таъмини билади.
Худди шундай қилиб, қулоқ ҳам эшитган сўзларини синаб кўриши
керак–ку?!
12 Ақл–идрок узоқ умр кўрган одамларда,
Донолик кексаларда бўлади.
13 Лекин ҳақиқий донолик ва қудрат Худодадир.
Маслаҳат ва ақл–идрок Унга тегишлидир.
14 Агар Худо ниманидир бузса, қайта қуриб бўлмайди,
Агар У қамаб қўйса, ҳеч ким қочиб кета олмайди.
15 Агар У ёмғирни ушлаб турса, ер чўлга айланади.
Сувларни қўйиб юборса, ер юзини сув босади.
16 Куч ва зафар Худога тегишли!
Ёлғончию алданганлар ҳам Унинг қўлида!
17 У маслаҳатчиларни қип–яланғоч қилиб қўяди,
Ҳакамларни ҳам ақлдан оздиради.
18 Худо шоҳларнинг ҳам тўнларини ечиб ташлайди.
Уларни қул қилиб, белларига арқон боғлаб қўяди.
19 Руҳонийларни ҳам қип–яланғоч қилиб қўяди,
Мустаҳкам ўрнашганларни Худо ағдариб ташлайди.
20 Ишончли маслаҳатчиларни тилдан қолдиради,
Оқсоқолларни эса идрокидан маҳрум қилади.
21 Шаҳзодаларнинг устидан шармандалик ёғдиради,
Кучлиларнинг қурол–аслаҳаларини тортиб олади.
22 Худо зулматнинг энг яширин жойларини очади,
Тим қоронғиликларни ҳам ёритади.
23 Халқларни юксалтиради–ю, яна Ўзи уларни ҳалокатга дучор қилади,

Халқларни кўпайтиради–да, кейин уларни тарқатиб юборади.
24 Ер юзидаги йўлбошчиларни ақл–заковатдан маҳрум қилади,
Уларни сўқмоқсиз чўлларда саргардон қилиб қўяди.
25 Нурсиз бир қоронғиликда улар пайпасланиб юрадилар.
Худо уларни маст одамдай қилиб қўяди,
Улар довдираб юрадиган бўлиб қоладилар.

13–БОБ

Аюб Худо билан даъволашмоқчи бўлади

1 Буларнинг ҳаммасини ўз кўзларим билан кўрганман.
Ўз қулоғим билан эшитиб, англаб олганман.
2 Сизлар билганларни мен ҳам биламан,
Сизлар мендан устун эмассизлар.
3 Қани энди, Қодир Худо билан гаплаша олсам!
Худога ўз даъвоимни билдиришни хоҳлайман.
4 Сизлар эса ёлғонлар тўқийсизлар,
Ҳеч фойда келтирмайдиган табибдайсизлар.
5 Қанийди, жим ўтирсангиз,
Ана ўшанда доно иш қилган бўлардингиз.
6 Энди менинг арзимга қулоқ солинглар,
Шикоятларимга диққат қилинглар.
7 Ёлғон сўзларингиз, ноҳақ гапларингиз билан
Худони ҳимоя қиляпмиз, деб ўйлаяпсизларми?!
8 Худонинг тарафини олиб, Унга ён босасизларми?!
Сизлар Худонинг даъвосини ҳимоя қиласизми?!
9 Қилаётганларингизни У текшириб кўрса, яхши бўладими?
Ёки инсонни алдагандай Уни ҳам алдайсизларми?!
10 Агар ҳатто хаёлингизда ҳам тарафкашлик қилсангиз,
У сизларга албатта танбеҳ беради.
11 Унинг улуғворлиги юрагингизга ваҳима солмайдими?!
Ундан қўрқиб, даҳшатга тушмайсизми?!
12 Сизларнинг гапингиз кулдай фойдасиз,
Ҳимоянгиз лой идишдай кучсиздир.

13 Энди жим бўлинглар! Мен гапирай.
Майли, кейин нима бўлса, бўлсин.
14 Жонимни хавф остига қўйиб бўлса ҳам,
Ичимдагиларни айтаман.
15 Майли, У мени ўлдирсин. Бошқа умидим йўқ–ку!*
Ўз ишларимни Унинг олдида ҳимоя қиламан.
16 Унинг олдига боришга журъат қилганим менинг нажотим бўлади,
Ахир, бетавфиқ одам Худонинг олдига бора олмайди–ку!
17 Менинг сўзларимга қулоқ солинглар,
Гапларим қулоқларингизга кирсин.
18 Мен ўз арзимни тайёрлаб қўйдим,
Биламан, айбсизлигим исбот бўлади.
19 Хўш, ким мен билан баҳслашади?
Агар мени айбдор деб топсангиз,

Овозимни ўчираман–у, ўламан.

Аюбнинг ибодати

20 Сендан икки нарса сўрайман, эй Худо,
Шуни қилсанг юзимни Сендан яширмайман.
21 Энди қийноқларингни бас қилгин,
Ваҳиманг билан мени қўрқувга солма.
22 Шундан кейин мени чақир, жавоб бераман,
Ёки мен гапирай, Сен эса менга жавоб бер.
23 Менинг қанча айбу гуноҳларим бор экан?
Итоатсизликларимни, гуноҳларимни билдиргин менга.
24 Нима учун мендан юз ўгирасан,
Мени Ўз душманинг деб ҳисоблайсан?
25 У ёқдан–бу ёққа учиб юрган баргни қўрқитасанми,
Қуруқ сомонни таъқиб қиласанми?
26 Менга қарши аччиқ айблар келтиряпсан,
Ёшлигимдаги гуноҳларимни эслатяпсан.
27 Оёқларимни кишанлаб,
Юрган йўлларимни пойлайсан,
Ҳатто ҳар бир қадамимни ўлчайсан.
28 Эвоҳ, инсон чирик нарсадай,
Куя еган кийимдай йўқ бўлиб кетади.

14–БОБ

1 Аёл зотидан туғилган инсоннинг
Умри қисқа, ҳаёти қайғуга тўла бўлади.
2 У гул сингари очилади–ю, яна сўлиб қолади.
Соядай тез ўтиб кетади, кўпга чидамайди.
3 Эй Худо! Шундай инсонга назар ташлайсанми?
Мени ҳукм қилиш учун Ўз олдингга олиб келасанми?
4 Ким ҳалолни ҳаром ичидан чиқара олади?!
Ҳеч ким.
5 Сен инсон ҳаётининг кунларини санаб қўйгансан,
Неча ой яшашини ҳам биласан.
Инсон Сен белгилаган чегаралардан ўтолмайди.
6 Уни тинч қўй, дам олсин.
Мардикорларга ўхшаб, кунлик ишини тинчгина битирсин.

7 Ҳатто дарахтнинг ҳам умиди бор,
Агар у кесиб ташланса, яна ўсаверади,
Дарахтнинг новдалари ўсишдан тўхтамайди.
8 Унинг илдизлари қариб,
Тўнкаси чирий бошласа,
9 Ҳатто сувнинг ҳидини сезса ҳам яна яшнаши мумкин.
Навниҳол кўчатдай яна новдалари кўкариши мумкин.
10 Лекин инсон ўлганда бор кучидан айрилади,
Охирги нафасини чиқаради–ю, йўқ бўлиб кетади!
11 Сув денгиздан буғланиб чиқиб кетгандай
Дарё қуриб, йўқ бўлиб кетгандай,

12 Инсон ҳам ётади–ю, қайтиб турмайди.
Осмон йўқ бўлмагунча, у уйғонмайди.
Ўлим уйқусидан уни ҳеч ким турғиза олмайди.
13 Эй Худо, қани энди, мени ўликлар диёрига* юборсанг,
Ғазабинг босилгунча мени яшириб қўйсанг,
Мен учун бир вақт тайинлаб, кейин мени ёдга олсанг.
14 Инсон ўлса, у яна тириладими?
Агар шундай бўлса, озод бўлгунимча
Барча қийинчиликларга чидаб берардим.
15 Мени чақирсанг, Сенга жавоб берган бўлардим.
Менга — Ўз қўлинг билан яратганга мунтазир бўлардинг.
16 Шунда Сен қадамларимни ўлчардинг–у,
Гуноҳларимни ҳисобга олмасдинг.
17 Айбларимни хуржунга солиб, боғлаб қўйгандай бўлардинг.
Фосиқлигимни ўчириб, устидан оқлаб ташлагандай бўлардинг.

18 Аммо тоғлар қулаб, майдаланиб кетади,
Қоялар ўз жойидан сурилади,
19 Сув тошларни емиради,
Тошқин сувлар ерни ювиб кетади.
Худди шу сингари, Сен ҳам
Инсоннинг умидини йўққа чиқарасан.
20 Сен инсонни бутунлай мағлуб қиласан,
Инсон оламдан ўтиб кетади.
Ўлганда юзини ўзгартириб, жўнатиб юборасан.
21 Фарзандлари ҳурматга сазовор бўлсалар ҳам,
Хўрлансалар ҳам у билмайди.
22 Инсон фақат ўз танасидаги оғриқни сезади,
Фақат ўзи учун қайғуради.”

15–БОБ

Элифаз иккинчи марта гапиради: у Аюбни Худодан қўрқмасликда айблайди

1 Кейин Темонлик* Элифаз шундай деди:

2 “Доно киши шундай беҳуда сўзлар билан жавоб бермаган бўларди!
Оғзини қуруқ гаплар билан тўлдирмас эди!
3 Бефойда сўзлар айтиб баҳслашмаган бўларди!
Қуруқ гаплар айтмас эди!
4 Сен Худодан қўрқмай қўйдинг!
Тоат–ибодатга тўсқинлик қиляпсан.
5 Гуноҳларинг сенга гап ўргатяпти,
Худди айёрлардай гапиряпсан.
6 Мен эмас, ўз оғзинг сени ҳукм қиляпти,
Ўз лабларинг сенга қарши гувоҳлик беряпти.

7 Нима, сен одамзоднинг тўнғичимисан?!
Қирлар яратилмасдан олдин туғилганмисан?!
8 Худонинг кенгашида* қатнашганмисан?!
Нима, фақатгина ўзингни доно деб биласанми?!

9 Хўш, биз билмаган нимани биласан?
Биз тушунмаганларни сен тушунасанми?
10 Ҳа, оқсоқоллар, кексалар,
Отангдан ҳам ёши улуғроқ бўлганлар биз томонда.
11 Худонинг тасаллиси сенга камлик қиляптими?!
Мулойимлик билан айтган сўзи сенга етмаяптими?!
12 Нима учун юрагингнинг амрига қараб иш тутасан?
Нима учун кўзларингни чақчайтирасан?
13 Нима учун сен Худо билан тескарисан?
Нимага оғзингдан шундай сўзлар чиқяпти?
14 Инсон ўзи недирки, пок бўла олса?!
Аёл зотидан туғилган инсон қандай қилиб солиҳ бўла олади?!
15 Худо ҳатто Ўз фаришталарига ҳам ишонмайди,
Ҳатто само ҳам Унинг назарида пок эмас.
16 Шундай экан, қабиҳ ва бузуқ инсон қанчалик тубан,
Ахир, инсон ёвузликни сувдай ичиб юборади–ку!

17 Қулоқ сол, мен сенга тушунтираман,
Кўрганимни айтиб бераман.
18 Сенга донишмандларнинг гапларини айтаман.
Улар аждодларидан ўрганиб, яширмасдан айтганларини сўзлаб бераман.
19 Фақат ўша доно инсонларга юрт берилган эди,
Уларнинг орасида бегоналар йўқ эди.

20 Фосиқларнинг бутун умри азоб билан ўтади,
Зўравонларга берилган барча йиллар саноқлидир.
21 Даҳшатли товушлар қулоқларига тинчлик бермайди.
Фаровонлик чоғида ҳам уларнинг устига босқинчи бостириб келади.
22 Фосиқлар зулматдан қочиб қутулишга умид қилмайдилар,
Уларнинг пешанасига қиличдан ўлиш ёзилган.
23 Улар нон излаб дайдиб юрадилар*,
Зулмат куни яқинлигини биладилар.
24 Қўрқув ва қайғу уларни даҳшатга солади,
Урушга тайёрланаётган шоҳдай, ваҳимада яшайдилар.
25 Улар қўлларини Худога қарши кўтаргани,
Қодир Худога бўйсунмаганлари учун шундай бўлади.
26 Мустаҳкам қалқонларини кўтариб,
Ўжарлик билан Унга қарши чиқадилар.
27 Чунки улар семириб, юзлари йилтираб кетган,
Қорнию белларини ёғ боғлаб кетган.
28 Улар вайрона шаҳарларда яшайдилар.
Қулаб тушай деб турган,
Ҳеч ким яшамайдиган уйларда турадилар.
29 Улар бойлигича қолавермайдилар, бойликлари абадий эмас.
Мол–дунёси ер юзидан йўқ бўлиб кетади.
30 Улар зулматдан қочиб қутула олмайдилар.
Ҳа, улар шохлари ёнган дарахтга ўхшайдилар.
Худонинг нафаси уларни учириб юборади.
31 Беҳуда нарсаларга умид боғлаб, ўзларини алдамасинлар,
Уларнинг мукофоти ўша беҳуда нарсалар бўлади.

32 Вақти–соати етмай туриб, улар тўлиқ жазо оладилар,
Новдалари гуллаб–яшнамайди.
33 Узумлари пишмай туриб узиб олинган токдай,
Гуллари тўкилиб, мева тугмаган зайтун дарахтидай бўлиб қоладилар.
34 Бетавфиқлар тўдаси бирор авлод қолдирмай ўтиб кетади,
Порахўрларнинг чодирларини олов ёндириб юборади.
35 Фосиқлар бузуқликка ҳомиладор бўлиб, ёвузлик туғадилар,
Юракларида фақат ёлғон туғилади.”

16–БОБ

Аюбнинг бешинчи нутқи: у ўзининг айбсизлигини таъкидлайди

1 Аюб шундай жавоб берди:

2 “Мен бундай нарсаларни кўп эшитганман,
Қандай ношуд юпатувчисизлар–а!
3 Бу беҳуда гапларнинг охири борми ўзи?!
Шундай гапиришга сизларни нима ундайди?!
4 Агар сизлар менинг ўрнимда бўлганингизда эди,
Мен ҳам сизлардай гапирсам бўларди.
Бошимни чайқаб,
Сизларга қарши чиройли сўзлар айтсам бўларди.
5 Аммо мен сўзларим билан сизларга далда берган бўлардим.
Гапларим билан дардингизни енгиллаштирардим.

6 Ҳозир эса, гапирсам ҳам дардим енгиллашмайди,
Гапирмасам ҳам азобларим камаймайди.
7 Эй Худо, Сен мени эзиб юбординг,
Бутун оиламни йўқ қилдинг.
8 Юзимни ажинлар билан тўлдириб ташладинг.
Булар менга қарши гувоҳ бўлади.
Озғинлигим ҳам кўзга ташланиб,
Менга қарши гувоҳлик беради.
9 Худо ғазаб билан ортимдан қувиб,
Мени эзиб ташлади.
Тишларини ғичирлатиб,
Кўзлари билан тешади.
10 Мени кўриб, одамларнинг оғзилари очилиб қолди,
Улар мени мазах қилиб, юзимга урдилар.
Тўдалашиб, менга қарши чиқиш учун йиғилдилар.
11 Худо мени бетавфиқлар ихтиёрига ташлади,
Фосиқларнинг қўлига бериб қўйди.
12 Мен тинчгина яшаётган эдим,
У мени парчалаб ташлади,
Бўйнимдан ушлаб, мени эзди.
Кейин эса Худо мени нишон қилиб,
13 Ўз камонлари билан ўраб олди.
Раҳм–шафқат қилмай,
Ўқлари* билан мени илма–тешик қилиб ташлади.
Ичак–човоқларим ерга тўкилди.

14 Худо қайта–қайта менга ҳужум қилди,
Менинг устимга жангчидай бостириб келди.
15 Қайғу–аламдан қаноргa буркандим*,
Қанор худди теримга қўшиб тўқилгандай бўлиб қолди,
Ғурурим поймол бўлди.
16 Нолаю фарёддан юзим қизариб,
Қовоқларим қорайиб кетган.
17 Лекин қўлларим ёвузликдан узоқ,
Ибодатларим покдир.

18 Эй тупроқ, менинг қонимни яширма,
Менинг фарёдим йўқолиб кетмасин.
19 Мана, ҳозир менинг Гувоҳим самодадир,
Менинг Ҳимоячим юксакда ўтирибди.
20 Дўстларим мени мазах қиляпти*,
Мен эса Худо олдида кўз ёш тўкаман.
21 Қани энди биронтаси
Ўз яқини учун Худога илтижо қилгандай,
Мен учун ҳам Худога ёлворса.
22 Чунки мен кўп вақт ўтмай
Борса келмас жойга кетаман.

17–БОБ

1 Руҳим тушган, умрим оз қолган,
Қабр мени кутиб турибди.
2 Мазах қилувчилар атрофимни ўраб олган.
Адоватларини ўз кўзларим билан кўриб турибман.

3 Эй Худо, Ўзинг мени кафилликка олгин.
Ахир, яна ким бор мени қўллайдиган?
4 Сен дўстларимнинг онгини ақл–заковат учун ёпиб қўйгансан,
Шунинг учун уларнинг устун бўлишларига йўл бермайсан.
5 Улар ўз фойдасини кўзлаб, дўстларига хиёнат қиладилар.
Шундайларнинг фарзандлари кўр бўлсин.

6 Худо мени одамлар орасида кулги қилиб қўйди,
Улар юзимга тупуришади.
7 Қайғудан кўзларим хиралашган,
Аъзои баданим заифлашиб, қоқ суяк бўлиб қолган.
8 Ўзини покдил деб билганлар мени кўриб ажабланяптилар,
Улар мени иккиюзламачи деб ўйлаяптилар.
Ўзини айбсиз деб билганлар* мендан ғазабланяптилар.
9 Аммо шунга қарамай, солиҳ одам* ўз йўлида юраверади,
Қўли пок бўлган кучайиб кетаверади.
10 Қани энди сизлар келинглар–чи?!
Орангиздан бирорта доно инсонни топа олармиканман?!
11 Мана кунларим ўтиб кетди,
Режаларим ҳам барбод бўлди,
Кўнглимдаги орзуларим пучга чиқди.

12 Дўстларим тунни кун, дейишади,
Атрофи қоп–қоронғи,
Лекин улар, ёруғлик яқин, деб туриб олишган.
13 Хўш, агар ўликлар диёри* менинг уйим бўлса,
Тўшагимни зулматда ёзсам,
14 Қабрга, сен отамсан, десам,
Қурт–қумурсқаларни, онамсиз, опа–сингилларимсиз, десам,
15 Мен умидли одам бўламанми?
Мени, умиди бор, деб ким айтади?!
16 Наҳотки ўликлар диёрида умид бўлса?!
Йўқ, тупроқда ётганимда умид бўлмайди.”

18–БОБ

Билдад иккинчи марта гапиради: у Аюбни фосиқлар қаторига қўшади

1 Шунда Шувахлик* Билдад жавоб берди:

2 “Қачонгача валдирайсан–а?!
Гапингни ўйлаб гапиргин, кейин суҳбатлашамиз.
3 Нима, бизни мол деб ўйлаяпсанми?
Ёки бизни гўл деб биляпсанми?
4 Жаҳл билан ўзингни жароҳатлаяпсан.
Нима энди, сени деб ер юзи ҳувиллаб қолиши керакми?!
Ёки қоялар ўрнидан қўзғалиши керакми?!

5 Фосиқларнинг чироғи албатта ўчади,
Оловининг учқуни ёруғлик бермайди.
6 Чодиридаги ёруғлик зулматга айланади,
Тепасида осилган чироғи ўчади.
7 Собит қадам фосиқлар энди қоқилиб юради.
Ўз режалари уларни оёғидан чалади.
8 Ўз оёқлари уларни тузоққа етаклайди,
Ўзлари чуқурликка йиқилиб тушади.
9 Қопқон уларни товонидан қисиб қолади,
Тўр уларни маҳкам тутади.
10 Ерда фосиқларга илмоқ ташланган,
Уларнинг йўлига тузоқ қўйилган.
11 Ҳар томондан уларни ваҳима босиб,
Ҳар қадамда ортидан қувиб юради.
12 Очликдан уларнинг силлалари қуриб қолади*,
Кулфат ҳам уларнинг қоқилишини кутиб туради.
13 Касаллик уларнинг терисини кемириб битиради,
Ўлат уларнинг оёқ–қўлларини чиритиб юборади.
14 Паноҳлари бўлган чодирларидан уларни суғуриб олиб,
Ўликлар диёри шоҳининг олдига олиб келишади.
15 Фосиқларнинг чодирларидан ҳеч нарса қолмайди,
Улар яшаган жой олтингугурт билан қопланади*.
16 Уларнинг илдизлари қуриб қолади,
Новдалари ҳам сўлиб қолади.
17 Ер юзидан уларнинг хотираси ўчиб кетади,

Кўчаларда улардан ном–нишон ҳам қолмайди.
18 Улар ёруғликдан зулматга ҳайдаладилар,
Ҳа, бу дунёдан қувиб чиқариладилар.
19 Халқи орасида улардан авлод–зурриёт қолмайди,
Улар яшаган жойлар кимсасиз бўлиб қолади.
20 Уларнинг тақдиридан ғарбдагилар даҳшатга тушади,
Шарқдагиларни эса ваҳима босади.
21 Ҳа, ёвузларнинг маскани шу аҳволга тушиб қолади,
Худосизларнинг жойи шундай бўлиб қолади.”

19–БОБ

Аюбнинг олтинчи нутқи: Халоскори уни ҳимоя қилишига ишонч билдиради
1 Аюб шундай жавоб берди:

2 “Қачонгача мени қийнайсизлар,
Гапларингиз билан мени эзасизлар?
3 Мана, мени ўн марта ҳақоратладингиз!
Менга ҳамла қилаверишдан уялмайсизларми?
4 Агар хато қилганим рост бўлса,
Гуноҳим ўзимнинг ташвишим.
5 Сизлар ўзингизни мендан устун қўйяпсиз.
Мана бу гуноҳингнинг далили, деб
Шарманда бўлганимни кўрсатяпсиз.
6 Шуни билинглар, Худонинг Ўзи менга ҳақсизлик қилди,
Тўрлари билан атрофимни ўради.
7 «Ўлдиряпти!» деб хитоб қилсам ҳам,
Менга ҳеч ким жавоб бермайди.
Фарёд қиламан, лекин адолат йўқдир.
8 Худо йўлимга ғов қўйган, ўтолмайман.
Йўлларимни зулмат билан қоплаган.
9 У бор обрўйимни тўккан,
Бошимдаги тожимни тортиб олган.
10 Менга ҳар томондан ҳужум қилди, тамом бўлдим,
Дарахтни суғургандай, умидимни суғуриб ташлади.
11 Унинг ғазаби менга қарши қайнайди,
У мени Ўзига душман деб ҳисоблайди.
12 Унинг қўшинлари бостириб келади.
Мени қамал қилиш ниятида
Чодирим атрофида қароргоҳ қуради.

13 Худо қариндош–уруғимни мендан узоқлаштирди,
Танишларим мендан юз ўгирдилар.
14 Қариндошларим мени тарк этишди.
Дўстларим мени унутишди.
15 Уйимга келган меҳмонлар ҳам,
Чўриларим ҳам менга бегонадай қарашади.
Уларнинг назарида бир мусофирдай бўлиб қолдим.
16 Хизматкоримни чақирсам, у жавоб бермайди.
Унга ўзим ялиниб боришим керак.

17 Нафасим хотинимга жирканч бўлиб қолган,
Қариндош–уруғим мендан нафратланади.
18 Ҳатто ёш болалар ҳам мендан ҳазар қилади.
Оёққа турсам, улар мени мазах қилади.
19 Ҳамма яқин дўстларим мендан ҳазар қилади.
Яхши кўрганларим ҳам мендан юз ўгирди.
20 Терию суягимдан бошқа ҳеч нарсам қолмади,
Ўлишимга бир бахя қолди.
21 Эй дўстларим, менга раҳм қилинглар,
Ахир, мени Худо урди–ку!
22 Худо мени қувғин қилгандай,
Нима учун сизлар ҳам мени қувғин қиляпсизлар?
Мени еб битирдингиз–ку! Ҳали ҳам тўймадингизми?

23 Қани энди, айтган сўзларим ёзиб қўйилса!
Улар китобга туширилса!
24 Темир қаламу қўрғошин билан*
Қояга абадий ўйиб битилса!
25 Аммо мен биламан,
Менинг Халоскорим ҳаётдир,
Вақти келиб*, У мени ҳимоя қилади*.
26 Терим ириб кетган бўлса ҳам,
Мана шу танамда Худони кўраман.
27 Мен Уни ўз кўзларим билан кўраман,
Ҳа, мен кўраман, бошқа ҳеч ким эмас.
Юрагим орзиқиб кетяпти!
28 Агар сизлар: «Мана энди унга қарши чиқамиз!
Ахир, кулфатларининг илдизи ўзида–ку», десангиз,
29 Ўзингиз жазодан қўрқинг.
Худо ғазаби келганда қилич билан жазолайди,
Шунда сизлар ҳукм борлигини билиб оласизлар.”

20–БОБ

Зўфар иккинчи марта гапиради: фосиқларнинг қисмати ҳақида

1 Намахлик* Зўфар шундай деди:

2 “Гапларинг мени безовта қилди,
Энди гапирмасам бўлмайди.
3 Танбеҳларинг билан мени ҳақоратладинг,
Лекин энди онгим, жавоб бер, деб ундаяпти.
4 Ўтмишдан билмайсанми?!
Ахир, инсонлар ер юзига жойлаштирилгандан бери,
5 Фосиқларнинг шодлиги узоққа чўзилмайди–ку,
Бетавфиқларнинг қувончи бир лаҳзалик–ку!
6 Такаббурлиги самога етса ҳам,
Бошлари булутларга тегса ҳам,
7 Ўзларининг ахлатидай бутунлай йўқ бўлиб кетади.
Уларни олдин кўрганлар: «Қани энди улар?» деб сўрайдилар.
8 Фосиқлар тушдай ўтиб кетадилар, уларни топиб бўлмайди.

Кечаси кўринган шарпадай ғойиб бўладилар.
9 Ҳа, фосиқларни кўрганлар уларни бошқа кўрмайдилар,
Маконлари энди уларни танимайди.
10 Фосиқларнинг фарзандлари камбағаллардан мурувват кутади,
Ўз қўллари билан тортиб олган бойликларини қайтариб беради.
11 Фосиқлар ёш ва кучли эди,
Энди суяклари тупроқда ётади.

12 Фосиқлик уларнинг оғизларида ширин туюлди,
Шунинг учун фосиқликни
Тилларининг тагига солиб, сўриб ўтирибдилар.
13 Фосиқликни ташлагиси келмай,
Оғзиларида ушлаб турсалар ҳам,
14 Ўша еганлари қоринларида аччиқ бўлади,
Илонларнинг заҳрига айланади.
15 Бойликларни ютиб, қайтиб қусадилар,
Қоринларидан бўлса ҳам,
Худо қайтариб олиб қўяди.
16 Улар кобра илонларнинг заҳарини сўрадилар,
Заҳарли илон уларни ўлдиради.
17 Энди фосиқлар оқар дарёлардан —
Сут ва асал оқадиган ирмоқлардан завқ олмайдилар.
18 Заҳмат билан топганларидан баҳраманд бўлмайдилар.
Савдо–сотиқ қилиб топганларининг гаштини сурмайдилар.
19 Ахир, фосиқлар камбағалларга зулм қилиб,
Бўлганича бўлсин, деб ташлаб кетгандилар.
Ўзлари қурмаган уйларни камбағаллардан тортиб олгандилар.

20 Улар нафс балосига учраган, ҳеч қачон қониқмайдилар.
Орзу–ҳавас қилиб йиққан бойликлари уларни қутқармайди.
21 Улар ҳеч нарса қолдирмай, еб битирганди.
Шунинг учун фаровонлиги узоққа чўзилмайди.
22 Фаровонлик даврида ҳам улар ғам–ташвишга тўладилар.
Уларнинг бошига офату кулфатлар тушади.
23 Фосиқлар қоринларини тўйдириб бўлганларида,
Худо уларга бор ғазабини сочади.
Уларнинг устига Ўз зарбаларини ёғдиради.
24 Фосиқлар темир қуролдан қочсалар,
Бронза найза уларни тешиб ўтади.
25 Найза уларнинг таналаридан суғуриб олинади,
Ҳа, ялтироқ найза уларнинг жигарларидан тортиб чиқарилади,
Уларни ваҳима қамраб олади.
26 Уларнинг хазиналари зулматда йўқ бўлиб кетади.
Инсон ёқмаган олов уларни ютиб юборади,
Олов фосиқларнинг чодирию ундаги бор нарсасини йўқ қилади.
27 Само уларнинг айбини кўрсатади,
Ер уларга қарши гувоҳлик беради.
28 Худонинг ғазаби келган куни
Уйидагиларни сел оқизиб кетади.
29 Худо фосиқларга берган улуш ана шулардир,

Худонинг уларга тайинлаган насибаси мана шудир.”

21–БОБ

Аюбнинг еттинчи нутқи: фосиқларнинг фаровонлиги ҳақида

1 Аюб шундай деб жавоб берди:

2 “Сўзларимга яхшилаб қулоқ солинг,
Мана шу сизларнинг менга берган тасаллингиз бўлади.
3 Сабр қилинг, мен ҳам гапирай,
Гапириб бўлганимдан кейин, мазах қилаверинг.
4 Мен инсонларга эмас, Худога арз қиляпман–ку.
Шунинг учун сабрим чидамаяпти–да.
5 Мана, ҳолимга қаранг, довдираб қоласиз,
Дамингиз ичингизга тушиб, ҳанг–манг бўласиз.
6 Бошимга тушган кулфатлар ҳақида ўйласам, ваҳимага тушаман,
Танамни қалтироқ босади.
7 Нима учун фосиқларнинг умрлари узилмай, давом этаверади?
Нега улар кекса ёшга етадилар?
Нега нуфузи ошиб бораверади?
8 Фарзандлари ўсиб, ўз ўрнини топганини кўради,
Невараларини ҳам кўришга муяссар бўлади.
9 Уйлари хавф–хатарсиз бўлади,
Худонинг таёғи уларнинг бошига тушмайди.
10 Буқалари ҳеч бир қийинчиликсиз кўпаяверади,
Сигирлари болалайди, ҳеч қачон боласи тушиб қолмайди.
11 Фосиқларнинг болалари қўзиларга ўхшаб сакрайдилар,
Фарзандлари ўйнаб–кулиб юраверадилар.
12 Доира ва лира садосига қўшиқ куйлайдилар,
Най садосига ўйин–кулги қиладилар.
13 Умрлари фаровонликда ўтади,
Ўликлар диёрига* тинчгина кетадилар.
14 Худога шундай дейдилар: «Бизни тинч қўй!
Сенинг йўлларингни билишни хоҳламаймиз.
15 Қодир Худо ким бўлибдики, Унга хизмат қилсак,
Унга илтижо қилсак, бизга нима фойда тегарди?!»
16 Аммо фосиқларнинг фаровонлиги ўз қўлининг иши эмас–ку!
Фосиқларнинг ўй–хаёлларидан мен жирканаман.

17 Фосиқларнинг чироғи бирон марта бўлса ҳам ўчдими?
Бошига тез–тез кулфат тушиб турибдими?
Худо Ўз ғазабида уларга қийноқ беряптими?
18 Қачон улар шамолда тўзиган хашакдай,
Бўрон учириб кетган сомондай бўладилар?
19 Сен: «Худо инсонларнинг гуноҳлари учун
Уларнинг фарзандларини жазолайди», дейсан.
Мен эса гуноҳкорларнинг ўзи жазолансин, дейман.
Мана шу уларга сабоқ бўлади.
20 Гуноҳкорлар ўз кўзлари билан ҳалокатларини кўрсинлар.
Ўзлари Қодир Худонинг ғазаби шаробини ичсинлар.

21 Зотан, улар ўлганларидан кейин
Оиласига нима бўлишини ўйламайдилар ҳам!

22 Ким Худога сабоқ бера олади,
Ахир, У ҳатто самовий зотларни ҳукм қилади–ку!
23 Мана, бир одам тўлиқ фаровонликда,
Тинч ва хотиржам оламдан кўз юмади.
24 Унинг бели бақувват,
Суяклари иликка тўла.
25 Иккинчи одам эса руҳи тушкун ҳолда,
Ҳеч қачон яхшилик кўрмай ўлиб кетади.
26 Иккови ҳам тупроқда бирдай ётади,
Уларни қуртлар босиб кетади.

27 Эҳ, дўстларим, ниятларингизни биламан,
Мақсадларингиз ҳам менга аён.
28 Сизлар: «Қани золим амалдорнинг уйи?
Фосиқларнинг чодири қаерда?» деб сўрайсизлар.
29 Кўп жойларга бориб келганлардан сўранглар.
Улар айтганларини инкор қила олмайсиз!
30 Кулфат кунида фосиқлар нажот топишларини,
Худонинг ғазаб кунида қутқарилишларини улар айтадилар–ку!
31 Фосиқларнинг қилмишларини ким уларнинг юзига солади?
Қилмишлари учун ким уларни жазолайди?
32 Жасадлари қабрга олиб борилганда,
Қабр бошига соқчи қўйилади.
33 Сон–саноқсиз одамлар кетларидан бориб,
Уларга аза тутади.
Ҳатто тупроқ ҳам уларнинг устига секин тушади.
34 Қандай қилиб мени пуч сўзларингиз билан юпата оласиз?
Барча берган жавобларингиз ёлғондир!”

22–БОБ

Элифаз учинчи марта гапиради: у Аюбни ўта гуноҳкорликда айблайди
1 Темонлик* Элифаз шундай деди:

2 “Инсон Худога қандай фойда келтиради?!
Доно инсон У учун бирор фойдали иш қила оладими?!
3 Солиҳ бўлсанг бу Қодир Худога қандай завқ келтиради?!
Юрган йўлларинг пок бўлса, Унга қандай фойда?!
4 У сенга художўйлигинг учун танбеҳ берадими?!
Бунинг учун сени ҳукм қиладими?!
5 Ахир, фосиқлигинг қанчалар оғир?!
Гуноҳингнинг чеки йўқ–ку!
6 Яқинларингдан ҳеч бир сабабсиз гаров олдинг,
Камбағаллардан кийимини ечиб олиб*, яланғоч қолдирдинг.
7 Чанқаганларга сув бермадинг.
Қорни очлардан нонингни қизғандинг.
8 Ҳа, қудратлилар юртга эгалик қиладилар,

Обрўлилар у ерда яшайдилар.
9 Беваларни қуруқ қўл билан орқага қайтардинг,
Етимларга ёрдам қўлини чўзмадинг.
10 Шунинг учун атрофинг тузоқлар билан ўралган.
Тўсатдан сени ваҳима босган.
11 Атрофингни зулмат қамраб олган,
Кўзларинг ҳеч нарсани кўрмаяпти,
Сув тошқинлари сени кўмиб кетган.

12 Юксакдаги баланд юлдузларга қара.
Аммо Худо само чўққисида–ку!
13 Шунда ҳам сен: «Худо нимани биларди,
Зулмат орасидан У қандай ҳукм қила оларди», дейсан.
14 «Қуюқ булутлар Уни яширган, У бизни кўрмайди,
Худо осмон гумбази* узра айланиб юрибди–ку», деб айтасан.
15 Сен фосиқлар юрган
Азалий йўлдан юраверасанми?
16 Улар ҳаётдан бевақт маҳрум бўлдилар,
Умр пойдеворларини сел ювиб кетди.
17 Фосиқлар Худога шундай дедилар:
«Бизни тинч қўйгин.
Эй Қодир Худо, бизга нима қила олардинг?»
18 Аммо уларга барака бериб, уйларини тўлдирган Худо–ку!
Фосиқларнинг ўй–хаёлларидан мен жирканаман.
19 Солиҳлар фосиқларнинг аҳволини кўриб, хурсанд бўладилар,
Айбсизлар фосиқларни мазах қилиб куладилар.
20 Улар: «Душманларимиз йўқ қилинди,
Битта қолмай оловда ёниб кетдилар*», деб айтадилар.

21 Худо билан тортишаверма!
У билан ярашгин,
Шунда фароғатда яшайсан.
22 Худонинг оғзидан чиққан ўгитларига қулоқ тут,
Сўзларини юрагингда сақла.
23 Қодир Худога юз бурсанг, соғлигу бойлигинг қайта тикланади.
Чодирингни фосиқликдан тозаласанг,
24 Олтинни чанг деб билиб,
Офир тилласини дарёга отсанг,
25 Қодир Худонинг Ўзи сенинг хазинанг бўлади.
У сенинг қимматбаҳо кумушинг бўлади.
26 Шунда Қодир Худодан завқ топасан,
Худога юз бурасан.
27 Сен Унга илтижо қиласан, У эса сенга қулоқ тутади.
Унга берган ваъдаларингни бажарасан.
28 Нима ният қилсанг, ҳаммаси амалга ошади,
Ҳаёт сўқмоқларинг нурга тўлади.
29 Агар шарманда бўлган одам учун Худога илтижо қилсанг,
Худо ўша одамни шармандаликдан қутқаради.
30 Сенинг пок қўлларинг туфайли
Ҳатто айбдорлар ҳам нажот топади.”

23–БОБ

Аюбнинг саккизинчи нутқи: у аччиқ шикоят қилади

1 Шунда Аюб яна гапирди:

2 “Бугун ҳам аччиқ шикоят қиламан*,
Оҳ–воҳдан ўзимни тута олмайман.
3 Қанийди, Худони қаердан топишни билсам,
Тахти олдига борган бўлардим!
4 Унинг олдига барча арзларимни ёйиб,
Ўз даъволаримни айтган бўлардим.
5 Ўшанда Унинг жавобини тинглаган бўлардим,
Унинг менга айтганларини тушунган бўлардим.
6 У буюк қудрати билан менга қарши чиқармиди?
Йўқ, У менга қулоқ тутган бўларди.
7 Ҳа, солиҳ инсон Унга келиб, арзини айта олади.
Ўз Ҳакамим мени бир умрга оқлайди.

8 Шарққа борсам, Худо йўқдир,
Ғарбга бориб ҳам Уни тополмайман.
9 Шимолда бирор иш қилса, мен Уни кўролмайман,
Жануб томон бурилса ҳам Уни тополмайман.
10 У эса менинг юрган йўлимни билади,
У мени синагандан кейин соф тилладай бўламан.
11 Мен фақат Худонинг йўлидан юрдим,
Унинг йўлини тутдим, четга оғмадим.
12 У берган амрлардан четга чиқмадим,
Кундалик ризқимдан ҳам кўра
Унинг сўзларини қимматли билдим*.
13 Худо қарорида қатъий туради,
Ким Унинг фикрини ўзгартира олади?!
У нима хоҳласа, шуни қилади.
14 Менга қарши тузган режаларини
У охиригача бажаради,
Унинг бундай режалари ҳали кўп.
15 Шунинг учун Унинг ҳузурида қўрқувга тушаман,
Бу ҳақда ўйласам, мени ваҳима босади.
16 Худо мени журъатсиз қилиб қўйди,
Қодир Худо мени даҳшатга солиб қўйди.
17 Аммо юзимни қоплаган тим қоронғилик,
Зулмат менинг овозимни ўчира олмади.

24–БОБ

Аюб: “Нима учун фосиқлар жазоланмайди?” деб сўрайди

1 Нима учун Қодир Худо ҳукм вақтини белгиламайди?
Нима учун Худони билганлар бекорга Уни кутадилар?
2 Фосиқлар чегараларни бузадилар*,
Ўғирланган подаларни яйловларда боқадилар.
3 Етимларнинг эшакларини ҳайдаб кетадилар.

Бевaнинг ҳўкизини кафиллик сифатида олиб қўядилар.
4 Камбағалларни йўлдан четга чиқариб ташлайдилар.
Қашшоқларни яширинишга мажбур қиладилар.
5 Қашшоқлар ёввойи эшаклардай чўлда овқат излашади,
Уларнинг фарзандлари учун даштдан бошқа ерда егулик йўқ.
6 Бегоналарнинг далаларида сомон йиғишади,
Фосиқларнинг узумзорларида қолган–қутганини теришади.
7 Тунни кийим–кечаксиз, яланғоч ўтказади,
Совуқда уларнинг ёпинадиган нарсаси йўқ.
8 Тоғ ёмғирлари уларни шалаббо қилади,
Бошпаналари йўқлигидан улар
Қоянинг олдида қалтирайдилар.

9 Фосиқлар бевaнинг фарзандини
Онасининг қучоғидан юлиб олади,
Камбағалнинг чақалоғини гаровга олади.
10 Кийимлари йўқлигидан камбағаллар яланғоч юришади.
Буғдой боғламларини кўтариб юрсалар–да, қоринлари оч қолади.
11 Қатор–қатор зайтун дарахтлари орасида*
Зайтунни эзиб мой чиқарадилар.
Узум сиқиб шароб қиладилар,
Аммо чанқоқлари босилмайди.
12 Шаҳарда жон бераётганларнинг нолалари эшитилади,
Жароҳатланганлар мадад сўраб фарёд қилади.
Шунда ҳам Худо ҳеч кимни бу ноҳақлик учун жавобгар қилмайди.

13 Нурга қарши бош кўтарганлар бор.
Улар нур йўлидан юрмайдилар,
Нур йўли олиб борадиган жойга бормайдилар.
14 Қотил эрта тонгда туради,
Камбағалу бечорани ўлдиради,
Кечаси эса ўғрилик қилади.
15 Зинокор кеч бўлишини кутади,
«Ўшанда мени ҳеч ким кўрмайди», деб ўйлайди.
Ниқоб билан юзини беркитади.
16 Ўғрилар кечаси уйларни талаб,
Кундуз куни яширинади.
Улар нур нималигини билмайди.
17 Барча ўғриларнинг тонги зулматдир.
Ҳа, зулмат даҳшатлари уларнинг дўстидир.

18 Аммо ўша фосиқлар дарё сувлари устидаги кўпикдай ўткинчидир.
Уларнинг ерлари лаънатланган,
Уларнинг узумзорларига ҳеч ким қадам босмайди.
19 Иссиқ ҳаво ва қурғоқчилик қорни эритиб йўқ қилгандай,
Ўликлар диёри* ҳам гуноҳкорни ўз оғушига олади.
20 Қуртлар эса уни маза қилиб кемиради.
Гуноҳкорни ҳатто ўз онаси унутади,
Ҳеч ким уни эсга олмайди.
Фосиқлар дарахтлардай синдириб ташланади.

21 Фосиқлар фарзандсиз аёлга зулм ўтказади,
Беваларга меҳр–шафқат кўрсатмайди.
22 Аммо Худо Ўз қудрати билан кучлиларни ҳалок қилади.
Улар баланд кўтарилиши мумкин,
Аммо уларнинг ҳаёти учун кафолат йўқ.
23 Улар осойишта яшашларига Худо йўл қўяди,
Аммо Ўзи уларнинг йўлларини доим кузатиб туради.
24 Ҳозирча улар буюк бўлса ҳам, кейинроқ йўқ бўлади.
Улар ерга урилади, худди бошқалардай ўлиб кетади.
Дон бошоқларидай қуриб қолади.
25 Қани, ким гапларимни ёлғон, деб айта олади?
Ким менинг гапларимни пучга чиқара билади?”

25–БОБ

Билдад учинчи марта гапиради: инсон зоти солиҳ бўла олмаслиги ҳақида

1 Шунда Шувахлик* Билдад деди:

2 “Худо ҳайбатли ҳукмрондир!
Самоларда У тинчлик ўрнатади.
3 Унинг лашкарларини ким санай олади?!
Ахир, Унинг нури бутун ер юзини ёритади–ку!
4 Шундай экан, инсон зоти қандай қилиб
Худо олдида солиҳликка даъво қила олади?!
Аёлдан туғилганлар қандай қилиб пок бўла олади?!
5 Худонинг назарида ҳатто ой ҳам ёруғмас,
Юлдузлар ҳам пок эмас.
6 Шундай экан, инсон ким бўлибди?!
Ахир, у бир қурт–ку,
Одамзод бир пашшадай–ку!”

26–БОБ

Аюбнинг тўққизинчи нутқи: Худонинг беқиёс буюклиги ҳақида

1 Аюб шундай деб жавоб берди:

2 “Ожизга берган ёрдаминг шуми?
Кучсизга шундай мадад керакми?!
3 Ақлсизга бирам ўргатиб қўйдинг–а!
Берган маслаҳатларинг бирам маънолики!
4 Ким ўргатди ўзи сенга бу доно гапларни?!
Сен орқали кимнинг руҳи гапирган ўзи?!

5 Сувлар остидаги ўликлар диёрида*
Марҳумларнинг руҳи қалтирайди.
6 Худонинг олдида ўликлар диёри* очиқдир,
Ҳалокат диёрининг* ҳам ёпинчиғи йўқ.
7 Худо бўшлиқ устига самони ёйди,
Ерни эса бўшлиққа осиб қўйди.

8 Худо булутларни ёмғир сувига тўлдиради,
Булутлар эса сувнинг оғирлигидан йиртилиб кетмайди.
9 Худо тўлин ойнинг юзини* яшириб,
Булутлар билан ўраб қўяди.
10 Худо уфқни бепоён уммон узра ёйиб,
Ёруғлик ва қоронғилик орасига чегара қўйди.
11 Худо осмоннинг устунларига* дўқ қилса,
Улар қўрқувдан қалтираб тебранади.
12 Худо Ўз қудрати билан денгизни мағлуб қилди*,
Ўз заковати билан махлуқ Раҳобни* ҳалок қилди.
13 Ўз нафаси билан булутларни ҳайдаб,
Мовий осмонни очди.
Унинг қудрати қочаётган илонни* эзиб ташлади.
14 Булар Худо қилган ишларнинг кичик бир парчасидир,
Худди пичирлаб айтилган гапга ўхшайди!
Шундай экан, агар Унинг қудрати
Момоқалдироқдай гумбурласа, ким тушуна олади?”

27–БОБ

Аюбнинг сўнгги нутқи: ўзини ноҳақликдан сақлаши ҳақида

1 Аюб яна гап бошлаб шундай деди:

2 “Менга адолат қилмай,
Қалбимни яралаган Қодир Худо шоҳид!
3 Танамда Худо ато қилган жон бор экан,
Сўнгги нафасимгача,
4 Оғзимдан фисқу фасод эшитилмас,
Тилимдан ёлғон сўзлар чиқмас.
5 Ҳеч қачон сизларни ҳақ деб тан олмайман,
Ўлгунимча айбсиз эканлигимни рад қилмайман.
6 Иккиланмай ўзим ҳақлигимни айтавераман,
Ҳаёт эканман, виждоним тоза менинг.

7 Душманим фосиқлардай жазо олсин,
Рақибларим ёвузлардай жазолансин.
8 Худосиз одам ҳаётдан маҳрум бўлганда,
Унда қандай умид қолади?
Худо уни йўқ қилганда умиди бўладими?
9 Худосизларнинг бошига кулфат тушганда,
Худо уларнинг фарёдига қулоқ тутармикин?
10 Ахир, улар Қодир Худодан завқ топмайдилар–ку!
Улар ҳар доим ҳам Худога илтижо қилмайдилар–ку!
11 Худонинг қудрати ҳақида сизларга ўргатаман.
Қодир Худонинг йўлларини сизлардан яширмайман.
12 Ахир, ўзингиз буларнинг ҳаммасини кўргансиз–ку!
Шунда ҳам бекорчи гапларни қўймайсиз.

13 Фосиқларнинг тақдири қуйидагичадир,
Қодир Худо золимларнинг бошига солгани мана шудир:

14 Уларнинг фарзандлари кўпайса ҳам,
Барибир урушда ҳалок бўлади.
Зурриёти ҳеч қачон нонга тўймайди.
15 Тирик қолганларини ўлат нобуд қилади,
Бевалари эса аза ҳам тутолмайди*.
16 Кумушлари чангдай кўп бўлса ҳам,
Кийим–кечаклари уюм–уюм бўлса ҳам,
17 Ўша кийимларни солиҳлар кияди,
Кумушларини эса айбсизлар бўлиб олади.
18 Фосиқларнинг уйлари қуш инидай* мўрт бўлади,
Дала қоровулларининг капалари сингари бўлади.
19 Фосиқлар кечқурун ёстиққа бош қўйганда бой бўлса,
Кўзларини очиб қараганда, бор бойликлари йўқолиб кетган бўлади.
20 Ваҳима уларни сув тошқинидай босади,
Тунда бўронлар уларни учириб кетади.
21 Шарқ шамоли уларни олиб кетади,
Фосиқларни ўз жойларидан супуриб ташлайди.
22 Бу шамол шафқатсизларча уларга ташланади,
Фосиқлар шамолнинг кучидан қочишга уринади.
23 Шамол уларнинг устидан кулади,
Ҳуштак чалиб, уларни даҳшатга солади.

28–БОБ

Донолик

1 Мана, кумуш қазиб олинадиган конлар бор,
Тилла тозаланадиган жойлар ҳам бор.
2 Темирни ердан қазиб олишади,
Тошларни эритиб, мис ажратиб олишади.
3 Инсон қоронғи конларга чироқ билан киради,
Ҳатто ер остининг энг чет жойларини ҳам қазийди.
Ернинг қоп–қоронғи жойларигача бориб,
Темир ва мис қидиради.
4 У одамзод яшайдиган жойлардан узоқда,
Инсон қадам босмайдиган ерларда конлар қазийди.
Одамзоддан узоқ жойларда арқонларга осилиб, чуқурларга тушади.
5 Мана, дону нон ердан униб чиқади,
Аммо ер ости эса ёндирилгандай алғов–далғов бўлиб ётибди.
6 Ердаги тошлардан зангори ёқутлар чиқади,
Тупроғида тилла бор.

7 Ҳеч бир қузғун конларнинг яширин сўқмоқларини билмайди,
Ҳеч бир бургутнинг кўзлари у жойларни кўрмаган.
8 Ёввойи ҳайвонлар у ерларга оёқ босмаган,
Шерлар ҳам у ерлардан юрмаган.

9 Инсон қояларни ўяди,
Тоғларни таг–туги билан қўпориб ташлайди.
10 Қоялар орасидан йўллар очади,
Инсон кўзлари ҳамма бебаҳо хазиналарни кўради.

11 Инсон дарёларнинг манбаини топади*,
Яширин хазиналарни ёруғликка олиб чиқади.

12 Аммо доноликни қаердан топса бўлади?!
Идрокнинг манбаи қаерда экан?!
13 Одамзод доноликнинг қаерда эканлигини* билмайди,
Чунки ёруғ ер юзида донолик топилмайди.
14 Тубсиз сувлар, донолик бизда эмас, дейдилар,
Денгиз ҳам, менинг ичимда у йўқ, деб айтар.
15 Доноликни тиллага сотиб олиб бўлмайди,
Унинг нархини кумуш билан ўлчаб бўлмайди.
16 Донолик Офир тилласию ақиқ тошлар,
Зангори ёқутлар билан ҳам сотиб олинмайди.
17 Тилла ҳам, биллур ҳам доноликка тенг келмайди,
Доноликни тоза тилла тақинчоқларга алмаштириб бўлмайди.
18 Доноликнинг қадри гавҳардан ҳам баланддир,
Маржон ва жавоҳирлар унинг олдида қадрсиздир.
19 Ҳабашистоннинг* жавоҳири ҳам унга тенг келолмайди,
Энг соф тилла билан ҳам доноликни сотиб олиб бўлмайди.

20 Шундай экан, донолик қаердан келиб чиқади?
Идрокнинг манбаи қаерда?
21 У барча жонзотларнинг кўзларидан яширилган,
Ҳатто осмондаги қушлардан ҳам беркитилган.
22 Ҳатто Ҳалокат* ва Ўлим* ҳам,
Биз донолик ҳақида фақат эшитганмиз, деб айтади.

23 Доноликка олиб борадиган йўлни Худо билади,
Доноликнинг масканини фақатгина У билади.
24 Зотан, Худо ернинг тўрт томонини ҳам кўриб туради,
Фалак остидаги ҳамма нарсани кузатиб туради.
25 Худо шамолга куч берган,
Денгизнинг ҳажмини белгилаган.
26 Ёмғирнинг қаерга ёғишини У кўрсатиб берган,
Чақмоқ учун йўлларни белгилаган.
27 Ўшанда Худо доноликка қаради–да,
Доноликнинг қадрини белгилади.
Уни текшириб кўриб, барқарор қилди.
28 Худо одамзодга шундай деди:
«Мен, Раббингиздан қўрқиш доноликдир,
Фосиқликдан юз ўгириш идрокдандир.»”

29–БОБ

Аюб илгари Худо унга берган барака ҳақида гапиради

1 Аюб гапида давом этди:

2 “Қани энди, Худо менга
Ғамхўрлик қилган пайтлари қайтиб келса эди.
3 Ўша пайтларда Худо Ўз чироғи билан йўлимни ёритарди,

Унинг нури билан зулматдан ўтар эдим.
4 Куч–қувватга тўлган кезларимда
Худо билан бўлган дўстлигим чодиримни тўлдириб турарди.
5 Қодир Худо мен билан эди,
Фарзандларим ҳам атрофимда юрарди.
6 Уйимда қаймоқ ошиб–тошиб ётарди,
Зайтунзорларимдан мой ариқ бўлиб оқарди.
7 Шаҳар дарвозаси олдида ўтирганимда,
Йўлбошчилар орасидан жой олганимда,
8 Ёшлар мени кўриб, йўл берарди,
Ҳатто кексалар ҳам ўрнидан турарди.
9 Оқсоқоллар ҳам гапидан тўхтарди,
Дами ичига тушиб кетарди.
10 Бошлиқларнинг ҳам овози тинарди,
Тиллари танглайига ёпишиб қоларди.
11 Гапларимни эшитганлар мени мақтарди,
Кўрганлар мен ҳақимда яхши гапирарди,
12 Ахир, мен нола қилган йўқсилларга ёрдам берардим,
Суянчиғи йўқ етимларни четда қолдирмас эдим.
13 Ўлимдан қутқарилган бу одамлар мени дуо қилардилар,
Ёрдамим билан беваларнинг қалбини қувончга тўлдирардим.
14 Солиҳликка кийим каби ўрангандим,
Одилликни саллам ва тўнимдай кийиб юрардим.
15 Кўрларга кўз бўлдим,
Чўлоқларга оёқ бўлдим.
16 Фақирларга ота бўлдим,
Мусофирларнинг арзларини эшитиб, ҳимоя қилдим.
17 Золимларнинг тишларини синдирдим,
Уларнинг оғзидан ўлжасини тортиб олдим.
18 Мен шундай деб ўйлардим:
«Узоқ умр кўриб, ўз уйимда ҳаётдан кўз юмаман.
19 Ахир, мен илдизлари сувга етган,
Шохларида тун бўйи шабнам турадиган дарахтдайман.
20 Доимо обрўйим баланд бўлаверади,
Кучим қайта–қайта янгиланаверади.»

21 Ҳамма сукут сақлаб, менга қулоқ соларди,
Бизга қандай маслаҳат бераркан, деб кутарди.
22 Менинг сўзларимдан кейин ҳеч ким гап қўшмасди,
Сўзларим уларнинг устига шабнамдай оҳиста тушар эди.
23 Улар ёмғир кутгандай мени кутишарди,
Сўзларим баҳор ёмғири сингари уларга сингиб кетарди.
24 Уларга кулиб қарасам, кўзларига ишонишмасди,
Марҳамат қилишимни умид билан кутишарди.
25 Уларга бош бўлиб, йўл–йўриқ кўрсатардим,
Лашкарлари орасидаги шоҳдай яшар эдим,
Улар қайғуга тушганларида тасалли берардим.

30–БОБ

Аюб ўз дарди ҳақида гапиради

1 Энди эса ўзимдан ёш бўлганлар устимдан кулади,
Уларнинг оталари қўриқчи итларим орасида бўлишга ҳам арзимайди.
2 Улардан менга нима фойда?!
Ахир, улар куч–қувватдан қолган–ку!
3 Улар очлигу муҳтожликдан озиб–тўзиб кетган,
Тун бўйи дашту биёбонда дайдиб юради.
4 Чўл буталари орасида аччиқ ўтлар теради,
Юлғун бутасининг илдизлари уларга емиш бўлади.
5 Улар одамлар орасидан ҳайдалган.
Ўғриларга бақиргандай уларнинг орқасидан бақирадилар.
6 Улар қуруқ сойликлару чуқурларда,
Қоялар орасида яшашга мажбурдирлар.
7 Чангалзорларда ҳайвонлар сингари бўкиради,
Қичитқи ўтлар орасида ғужанак бўлиб ўтиради.
8 Энг паст, ярамас бу тўдани
Хивчинлар билан юртдан ҳайдашган.

9 Мана энди ўшалар мазах қилиб,
Мен ҳақимда қўшиқлар куйлайди,
Мен уларга кулги бўлиб қолдим.
10 Улар мендан нафратланиб, яқинимга ҳам келмайди,
Ҳатто юзимга тупуришдан ҳам тоймайди.
11 Худо кучимни кесди, мени ерга урди.
Шунинг учун ўша ярамаслар ҳам
Менинг олдимда ўзларини жиловлай олмайдиган бўлдилар.
12 Ўша қаланғи–қасанғилар
Менга қарши чиқиб, ерга йиқитадилар,
Мени ўлдирмоқчи бўлиб, ҳужум қиладилар.
13 Йўлларимни тўсиб,
Бошимга тушадиган кулфатни тезлатадилар,
Уларни тўхтатадиган ҳеч ким йўқ*.
14 Мени мазах қилувчилар ҳар томонлама ҳужум қиладилар,
Тўфондай устимга ёпириладилар.
15 Мени қўрқув босган,
Обрўйим шамол учиргандек кетди,
Фаровонлигим булут каби ўтиб кетди.

16 Энди юрагим эзилиб кетяпти,
Ҳар куни мен азоб–уқубат тортаман.
17 Тун бўйи суякларим зирқираб оғрийди,
Мени дард қийнаб, ҳеч тинчлик бермайди.
18 Худо шахт билан кийимимдан ушлади,
Кўйлагимнинг ёқасидан тутди.
19 У мени лойга булғади,
Чангу тупроқчалик қадрим йўқ.
20 Эй Худойим, Сенга илтижо қиламан,
Аммо Сен менга жавоб бермайсан.

Сенинг олдингда турибман,
Сен эса қараб тураверасан.
21 Менга нисбатан шафқатсиз бўлиб қолдинг,
Ўз қудратинг билан мени қувғин қиляпсан.
22 Қуюн билан мени кўтариб,
Бўрон орасида у ёқдан–бу ёққа отасан.
23 Биламан, инсоннинг қисмати бўлган ўлимга
Мени ҳам олиб борасан.

24 Бошига кулфат тушган муҳтож одам нола қилса,
Ҳеч ким унга қўл кўтармайди–ку, ахир.
25 Мен бошига кулфат тушганлар учун қайғурдим–ку!
Муҳтожларни кўриб, юрагим ачиди–ку!
26 Аммо яхшилик кутганимда ёвузлик келди,
Ёруғликка умид қилсам, зулмат тушди.
27 Қалбим безовталанган, тиним билмайди,
Оғир кунлар бошимга тушган.
28 Қуёш нури бўлмаган бир зулматда юрибман,
Жамоа олдида мадад сўраб, фарёд қиламан.
29 Мен чиябўрининг дўстидай,
Туяқушнинг укасидай бўлиб қолдим.
30 Терим қорайиб кетган,
Танам иситмадан ёняпти.
31 Найим садоси азадорларга жўр бўлади,
Лирам қайғули нола қилади.

31–БОБ

Аюб айбсизлигини охирги марта таъкидлайди

1 Мен: «Аёл–қизларга шаҳват билан қарамайман», деб
Кўзларим билан аҳд тузган эдим.

2 Хўш, Худо менга берган насиба нима бўлди?!
Қодир Худо мен учун нима буюрган?!
3 Адолатсизларнинг бошига офат,
Бадкирдорларнинг бошига кулфат тушади–ку.
4 Худо ҳамма йўлларимни кўради,
Босган қадамимни кузатиб туради.

5 Агар ёлғон гапирган бўлсам,
Тилим ёлғон–яшиққа тўла бўлса,
6 Майли, Худо мени адолат тарозисида тортиб кўрсин,
Шунда У поклигимни билиб олади.
7 Агар тўғри йўлдан оғиб кетган бўлсам,
Нафсим мени йўлдан уриб,
Қўлларимни булғаган бўлсам,
8 Майли, мен экай, ҳосили бировга насиб бўлсин,
Даламда унган экинлар суғуриб ташлансин.

9 Бирор аёл мени йўлдан урган бўлса,

Шаҳват билан қўшнимни пойлаган бўлсам,
10 Майли, хотиним бошқаларнинг буғдойини янчсин,
Бегона эркаклар унинг олдига кирсин.
11 Ахир, шаҳват бузуқлик–ку!
Бу гуноҳ албатта ҳукм қилинади.
12 Ҳалокат диёригача* етиб борадиган оловдайдир у,
Бор–будимни таг–томири билан еб битиради.

13 Қулларим, чўриларим мен ҳақимда шикоят қилганда,
Уларга нисбатан доим адолатли бўлганман.
14 Акс ҳолда, Худо ҳукмга турганда мен нима қилардим?
Худо мени сўроқ қилганда нима деган бўлардим?
15 Мени яратган уларни ҳам яратган–ку!
Онамизнинг қорнида барчамизга шакл берган — Худо–ку!

16 Муҳтожлар мадад сўраганда, қайтариб юбормадим,
Беваларнинг умидини пучга чиқармадим.
17 Овқатимни бир ўзим емадим,
Етимлар билан бўлишдим.
18 Ёшлигимдан етимларга ота бўлдим,
Умрим бўйи беваларга ғамхўрлик қилдим.
19-20 Кўзим тушган яланғоч бечоралар
Қўйларимдан қирқиб олинган жунлар билан исинди.
Уст–боши бўлмаган фақирларга меҳр кўрсатдим,
Шунинг учун улар мени дуо қилди.
21 Агар қозихонада сўзим ўтишини билиб туриб,
Етимларга қарши қўл кўтарган бўлсам,
22 Қўлларим синиб қолсин,
Қўлим елкамдан узилиб тушсин.
23 Мен Худодан келадиган кулфатдан қўрқардим,
Худонинг улуғворлигини била туриб, бундай иш қила олмасдим.

24 Тиллага ишондимми?
Тоза тиллага умид боғладимми?
25 Бойлигим кўплигидан ёки мол–мулким билан мақтандимми?
26 Осмондаги ёруғ қуёшга қараб,
Гўзал ойнинг сузишини кузатиб,
27 Юрагим васвасага тушдими?
Уларга сиғиндимми?
28 Агар шундай қилган бўлсам, бу ҳам ҳукмга лойиқ гуноҳ бўлар эди.
Ахир, бу иш билан юксакдаги Худога садоқатсизлик кўрсатган
бўлардим–да!

29 Ҳатто ғанимларимга келган кулфатдан суюнмадим,
Бошига офат тушганда қувонмадим.
30 Уларни қарғашдан ўзимни тийдим,
Бошимга гуноҳ орттирмадим.
31 Хизматкорларим шундай дердилар:
«Аюбнинг чодирида гўшт еб, тўймаганлар борми?»
32 Ҳеч бир мусофир кўчада тунамас эди,

Чунки эшигим доимо сайёҳларга очиқ эди.
33 Бошқаларга ўхшаб, гуноҳларимни яширмадим,
Айбларимни юрагимда сақламадим.
34 Оломондан чўчийдиганлару
Одамларнинг гапидан қўрқадиганлар каби
Кўчага чиқмай, жим ўтиравермадим.

35 Кошки энди менга қулоқ соладиган бирортаси бўлса!
Мана арзимга ўзим қўл қўйяпман.
Энди Қодир Худо Ўзи жавоб берсин.
Қани энди, душманим айбларимни ёзиб берса,
36 Мен фахрланиб, уларни елкамга осган бўлардим,
Тож қилиб кийиб юрган бўлардим.
37 Ҳар бир босган қадамимга жавоб берган бўлардим,
Мағрур бир шаҳзода каби Худонинг олдига борган бўлардим.
38 Агар ерларим менга қарши фарёд қилса,
Ерларим эгатлари кўз ёшга тўла бўлса,
39 Баҳосини тўламай, ҳосилини еган бўлсам,
Деҳқонларнинг ўлимига сабабчи бўлган бўлсам,
40 Буғдой ўрнига тиканлар ўссин,
Арпа ўрнига газанда ўтлар чиқсин.”

Шундай қилиб, Аюбнинг гаплари тугади.

32–БОБ

Элиху Аюбнинг дўстларига жавоб беради

1 Шундай қилиб, ўша уч киши Аюбга бошқа гапирмадилар, чунки Аюб ўз назарида солиҳ эди. 2 Аммо Буз авлодининг* Рам хонадонидан бўлган Борахиёл ўғли Элихунинг жаҳли чиқди. Аюб ўзини оқлаб, Худони айблаётгани учун ундан қаттиқ ғазабланди. 3 У Аюбнинг учала ўртоғидан ҳам жуда қаттиқ аччиқланди, чунки улар Аюбнинг гапига жавоб топиб бера олмадилар. Натижада Худо айбдордай бўлиб қолди*. 4 Элиху гапириш учун ўз навбатини кутиб турарди, чунки бошқаларнинг ёши уникидан улуғроқ эди. 5 Лекин уларнинг бошқа гапи йўқлигини кўриб, Элихунинг жаҳли чиқди.

6 Шундай қилиб, Буз авлодидан бўлган Борахиёл ўғли Элиху ўз гапини бошлади:

“Мен ёшман,
Сизларнинг эса ёшингиз улуғ.
Шунинг учун уялиб,
Фикрларимни айтишга қўрқдим.
7 Ёши улуғлар гапирсин,
Кўпни кўрганлар ақл ўргатсин, дедим.
8-9 Аммо фақатгина ёши улуғлар доно бўлмайди,
Нима тўғрилигини фақат кексалар тушунавермайди.
Ахир, инсонга унинг ичидаги руҳ —
Қодир Худонинг нафаси ақл–идрок беради–ку!
10 Шунинг учун менга қулоқ солинг,
Мен ҳам ўз фикримни баён қилай.

11 Сизлар гапирганда жим турдим,
Доно гапларингизга қулоқ солдим.
Гап қидирганингизда ҳам кутиб турдим.
12 Сизларга диққат билан қулоқ солдим,
Лекин ҳеч биригиз Аюбнинг айбини исботлай олмадингиз.
Унинг гапларига жавоб бера олмадингиз.
13 Сизлар: «Энг доно йўлни топдик,
Аюбни инсон эмас, Худонинг Ўзи мағлуб қилсин», дея кўрманглар.
14 Аюб гапларини менга қарата айтгани йўқ.
Шундай бўлганда ҳам,
Мен ҳеч қачон сизларга ўхшаб жавоб бермасдим.

15 Эй Аюб! Бу учала ўртоғингиз эсанкираб қолди,
Гап тополмай ўтирибдилар.
Айтадиган бирорта сўзи йўқ.
16 Энди уларнинг айтадиган гапи бўлмаса,
Мен кутиб ўтираверайми?!
17 Мен ҳам жавоб бераман,
Ўз фикримни билдираман.
18 Ичимда сўзлар тошиб кетяпти,
Руҳим мени даъват қиляпти.
19 Қалбим очилмаган шароб каби жўшмоқда,
Янги шароб қуйилган меш каби ёрилиб кетай, дейди*.
20 Гапириб, озгина ёзилай.
Оғиз очиб, жавоб берай.
21 Мен ҳеч кимга тарафкашлик қилмайман,
Ҳеч бир инсонга хушомад қилмайман.
22 Агар хушомадгўйликка уста бўлсам,
Яратувчим мени йўқ қилган бўлар эди.

33–БОБ

Элиху Аюбга қарши гапиради

1 Эй Аюб, энди менинг сўзларимни эшитинг,
Ҳамма гапларимга қулоқ солинг.
2 Мен ҳозир гапиришга тайёрман.
Сўзларим тилимда тизилиб турибди.
3 Сўзларим пок кўнглимдан чиқади,
Чин дилдан гапираман.
4 Мени Худонинг Руҳи яратган,
Қодир Худонинг нафаси менга ҳаёт бериб турибди.
5 Агар қўлингиздан келса, менга жавоб беринг–чи,
Ўзингизни ҳимоя қилиб кўринг–чи!
6 Худонинг олдида сиз ҳам, мен ҳам бирмиз,
Мен ҳам тупроқдан яралганман.
7 Мендан қўрқмасангиз ҳам бўлади,
Сизга ҳеч зулм ўтказмайман.

8 Гапларингизни ўз қулоғим билан эшитдим,

Қуйидаги сўзларни олдимда айтгансиз:
9 «Мен покман, айбсизман,
Топ–тозаман, менда ҳеч бир айб йўқ.
10 Худо эса менга қарши чиқишга баҳона қидиряпти,
Мени Ўз душманлари қаторига қўшиб қўйди.
11 Оёқларимни занжирбанд қилди,
Юрган йўлимни кузатиб туради.»

12 Аюб, мана шу борада сиз ноҳақсиз.
Мен сизга шуни айтай:
Худо бутун одамзоддан улуғроқдир.
13 Шундай экан, нимага У билан даъволашяпсиз?
Нима учун, Худо менга жавоб бермайди, дейсиз?
14 Худо қайта–қайта гапиради.
Шунда ҳам одамлар тушунмайди.
15 Одамлар чуқур уйқуга кетганда,
Ўринларида ухлаб ётганда,
Тушлар, тунги ваҳийлар орқали
16 Худо уларнинг қулоқларига гапиради,
Ўз огоҳлантиришлари билан уларни қўрқитади.
17 Инсон гуноҳларидан қайтсин,
Одамзод такаббур бўлмасин деб, бу сўзларни айтади.
18 Ўша огоҳлантиришлар одамларни қабрдан сақлайди,
Ўлим дарёсидан* қутқаради.
19 Худо инсонларга дарду оғриқ бериб,
Одамларнинг суякларини зирқиратиб, тарбиялайди.
20 Шунда улар нонга ҳам қарай олмайдиган бўлиб қолади.
Ҳатто энг ширин овқатлар ҳам кўнглини айнитади.
21 Улар озиб–тўзиб кетади, фақат териси қолади.
Олдин кўринмаган суяклари энди туртиб чиқади.
22 Ана, улар қабрга яқинлашиб қолди.
Ўлим уларнинг жонини пойлаб турибди.
23 Лекин шу пайтда инсоннинг ҳимоячиси бўлса,
Мингларга қарши чиқиб,
Ўша инсонни солиҳ деб тасдиқлайдиган бир ҳимоячиси
24 Ўша инсонга раҳм қилиб:
«Эй Худойим, уни қабрдан қутқаргин,
Бу инсоннинг жони эвазига тўлов топдим», деса,
25 Ўша инсоннинг танаси ёш боланики каби янгиланади,
Ёшлигидаги каби яна кучга тўлади.
26 Ўша инсон Худога ибодат қилади,
Худо эса уни қабул қилади.
Худонинг ҳузурига у шодлик билан киради,
Чунки Худо уни солиҳлик йўлига қайтаради.
27 Ўша инсон келиб, бошқаларга шундай дейди:
«Мана, мен тўғри йўлдан юрмасдан,
Гуноҳ қилган эдим,
Лекин мен ўзимга лойиқ жазони олмадим.
28 Худо жонимни қабрдан қутқариб қолди.

Энди менинг ҳаётим ёруғ кунларга тўла!»

29 Ҳа, Худо одамзодга шундай қилади,
Бир эмас, икки эмас, кўп марта такрорлайди.
30 Инсонларни қабрдан сақлаш учун,
Ҳаёт нури уларнинг йўлларини ёритсин деб, шундай қилади.
31 Эй Аюб, диққат қилинг, менга қулоқ солинг,
Жим туринг, мен гапирай.
32 Агар бирор гапингиз бўлса, менга жавоб беринг.
Гапираверинг, чунки оқланишингизни хоҳлайман.
33 Лекин гапингиз бўлмаса, менга қулоқ солинг,
Сукут сақланг, мен сизга доноликни ўргатай.”

34–БОБ

Элиху Аюбни такаббурликда айблайди

1 Элиху гапида давом этиб шундай деди:

2 “Менинг сўзларимни тингланг, эй донишмандлар*.
Менга қулоқ солинг, эй билимдонлар.
3 Тил таомнинг таъмини татигандай,
Қулоқ ҳам сўзларни синаб кўради.
4 Келинглар, нима тўғрилигини танлайлик,
Нима яхшилигини биргаликда ўрганайлик.
5 Аюб шундай дейди: «Мен айбсизман,
Лекин Худо менга адолат қилмаяпти.
6 Тўғри бўлсам ҳам, мени ёлғончига чиқаришди.
Гуноҳсиз бўлсам ҳам тузалмас дардга йўлиққанман.»
7 Аюбга ўхшаган одам борми?
Аюб учун Худога шак келтириш сув ичишдай бир гап!
8 Унинг ўртоқлари бадкирдорлардир,
У фосиқлар билан вақт ўтказади.
9 Аюб ҳатто шундай деган:
«Худога ёқадиган иш қилишдан ҳеч бир фойда йўқ!»

10 Шунинг учун менга қулоқ солинг, заковатлилар.
Худо асло фосиқлик қилмас,
Қодир Худо ноҳақлик қилмас.
11 Ахир, У одамларнинг қилганларига яраша қайтаради,
Қилмишларининг оқибатини ўз бошларига келтиради.
12 Мана бу ҳақиқатдир:
Худо фосиқлик қилмайди,
Қодир Худо адолатга хиёнат этмайди.
13 Худога ер юзидаги ҳукмронликни биров берибдими?!
Бирор кимса Худони дунёга ҳукмдор қилиб қўйибдими?!
14 Агар Худо Ўз нафасини
Қайтариб олишга қарор қилса,
15 Бутун инсоният бирданига ҳалок бўлган бўларди,
Одамзод яна тупроққа қайтган бўларди.

16 Ақлингиз бўлса эшитинг,
Гапларимга қулоқ солинг.
17 Адолатдан нафратланган инсон ҳукмдор бўла олармиди?
Қудратли ва одил Худони ҳукм қилмоқчимисиз?
18 Шоҳларга: «Сизлар ярамассиз», дейдиган,
Бекларни фосиқ деб атайдиган Худо–ку!
19 У беклар учун тарафкашлик қилмайди,
Бойни камбағалдан устун кўрмайди.
Ахир, уларнинг ҳаммасини Ўзи яратган!
20 Одамлар бир зумда ўлади.
Ярим кечада қалтирайди–ю, жон беради.
Қудратлилар осонликча йўқ қилинади.

21 Одамлар қилган ишларни Худо кузатиб туради,
Улар босган ҳар бир қадамни Худо кўриб туради.
22 Бирон зулмат ёки қоронғи жой йўққи,
Бадкирдорлар ўша жойда яшириниб олса.
23 Инсонни ҳукм қилиш учун
Худо тафтиш ўтказиши шарт эмас*.
24 Худо текширмасдан ҳам қудратлиларни қулатиб,
Уларнинг ўрнига бошқаларни жойлайди.
25 Худо қудратлиларнинг ишларини кузатиб туради.
Шунинг учун кечаси уларни ағдариб ташлайди,
Улар ҳалок бўлади.
26 Худо уларни фосиқлиги учун
Ҳамманинг кўзи олдида жазолайди.
27 Чунки улар Худога эргашишни рад қилдилар,
Худонинг йўлларини англаб етмадилар.
28 Камбағалларни шундай эздиларки,
Уларнинг ноласи Худога етиб борди.
29 Худо сукут сақласа, ким ҳам Уни ҳукм қиларди?
У юзини яширса, ким кўра оларди?
Бу бирор инсон ёки бирор халқнинг қўлидан келармикан?!
30 Бетавфиқлар бошқа одамларга тузоқ бўлмасин деб,
Худо уларни ҳукмдор қилиб қўймайди.

31 Бирортаси Худога:
«Мен жазоимни олдим, энди гуноҳ қилмайман.
32 Мен кўролмайдиган нарсаларни ўргат,
Ҳа, нотўғри ишлар қилдим,
Энди бундай қилмайман», — дейдими?
33 Худо сизнинг ўлчовингиз бўйича қайтариши керакми?
Ахир, сиз Ундан нафратландингиз–ку!
Эй Аюб, мен эмас, сиз қарор қилишингиз керак.
Қани, билганингизни айтинг–чи.
34 Мана, гапларимни эшитган донолар,
Ақл–идроклилар шундай деяпти:
35 «Аюб билмасдан гапиряпти,
Гапларининг маъниси йўқ.»
36 Қани энди, Аюб яхшилаб ҳукм қилинса,

Ахир, у фосиқларга ўхшаб гапиряпти–ку.
37 Аюб Худога қарши чиқиб,
Гуноҳи устига гуноҳ қўшяпти.
Орамизда Худони мазах қиляпти,
Худога қарши кўп гап айтяпти.”

35–БОБ

Элиху Аюбга Худонинг адолатли эканини эслатади

1 Элиху гапини давом эттириб, шундай деди:

2 “Эй Аюб: «Худонинг олдида айбсизман»,
— деб айтишингиз нотўғри.
3 Сиз Худога: «Гуноҳсизлигим
Менга яхшилик келтириши керак эди–ку!
Аммо мен ёмонлик кўрдим!»
— деб айтишингиз ҳам тўғри эмас.
4 Сиз ва дўстларингиз гапимни эшитинглар.
5 Осмонга қараб кўринглар,
Сизлардан анча тепада бўлган булутларга қаранглар.
6 Итоатсизлик қилсангиз, Худога нима зарар?
Гуноҳларингиз кўпайса, Худога нима?
7 Борди–ю, солиҳ бўлсангиз, Унга нима қилиб берардингиз?
У сизнинг қўлингиздан бирор нарса олишга зорми?
8 Фосиқлигингиздан фақат инсонлар қийналади.
Солиҳлигингиз ҳам фақатгина инсонларга мадад беради.

9 Зулм ҳаддан ташқари кўп бўлгани учун одамлар фарёд қилади.
Зўравонларнинг қўлидан қутқаринглар, деб ёрдам сўрайди.
10 Аммо ҳеч ким Яратувчига ёлвормайди.
Тунлари умид берадиган Худога илтижо қилмайди.
11 У эса ер юзидаги жониворларга қараганда бизга кўпроқ билим
берган–ку!
Бизни осмондаги қушлардан ақллироқ қилган–ку!
12 Зулм остида қолган инсонлар фарёд қилишса ҳам, Худо жавоб бермайди.
Ахир, уларнинг ўзлари такаббур ва фосиқдир.
13 Худо бундай инсонларнинг пуч сўзларига умуман қулоқ солмайди,
Қодир Худо уларга эътибор бермайди.
14 Эй Аюб! Сиз: «Худони кўрмаяпман», дейсиз.
Даъвоингизни Унга келтирдингиз, энди сабр қилинг!
15 Сиз: «Худо ғазабини сочмаяпти,
Фосиқликка заррача эътибор бермаяпти», деб ўйлайсиз.
16 Шундай қилиб, Аюб бемаъни гапларни гапиряпти.
Ҳеч нима билмай туриб, гапни кўпайтиряпти.”

36–БОБ

1 Элиху гапида давом этиб шундай деди:

2 “Яна бир оз сабр қилинг, мен сизларга кўрсатай,

Худо томонида туриб гапирадиган гапларим бор ҳали.
3 Менинг билимим жуда кўп,
Мени яратган Худо одил эканлигини сизларга кўрсатаман.
4 Ростини айтаман, сўзларим ёлғон эмас.
Мана мен, билими баркамол инсон, сизнинг олдингиздаман.

5 Худо қудратлидир,
Аммо У инсонлардан нафратланмайди,
Худо қудратли ва барқарордир.
6 Фосиқларнинг яшашига Худо йўл қўймайди,
Эзилганларга эса адолат қилади.
7 Солиҳлардан юз ўгирмайди,
Солиҳларни шоҳлар билан бирга тахтга чиқаради,
Уларни то абад юксалтиради.
8 Агар инсонлар занжирбанд бўлса,
Азоб уларни исканжага олган бўлса,
9 Худо уларнинг қилмишларинию гуноҳларини ўзларига кўрсатади,
Улар мағрурланиб кетганларини ошкор қилади.
10 Йўл–йўриқларини тинглашга мажбур қилади,
Ёвузликдан қайтишга амр қилади.
11 Агар улар итоат этиб, Худога хизмат қилсалар,
Қолган умрларини фаровонликда ўтказадилар,
Ҳаётлари роҳатда ўтади.
12 Аммо итоат этмасалар,
Улар ўлим дарёсига ғарқ бўладилар*,
Ақл–идрокка эришмай, оламдан ўтадилар.

13 Худосизлар аламини ичига ютиб юраверадилар,
Худо уларни кишанласа ҳам ёрдам сўрамайдилар.
14 Улар саждагоҳлардаги фоҳишлар* орасида,
Ёшликларидаёқ вафот этадилар.
15 Худо қийналганларни ўша азоблари орқали қутқаради,
Зулм ва жабр–жафога мубтало қилиб, уларнинг кўзларини очади.
16 Худо сизни ҳам дарддан озод қилиб,
Бепоён кенгликка олиб чиқади,
Дастурхонингиз ноз–неъматга тўлади.

17 Аммо сиз ҳозир фосиқларни ҳукм қилиш билан оворасиз.
Хаёлингиз адолат ва ҳукм билан банд.
18 Эҳтиёт бўлинг, яна биров сизни бойлик билан васвасага солмасин,
Катта поралар сизни йўлдан урмасин.
19 Бойликларингиз сизни қулфатдан қутқара олармиди?!
Қудрату–кучингиз энди сизга ёрдам бера олармиди?!
20 Тунни кутаверманг*,
Ахир, халқлар кечаси йўқ бўлиб кетадилар–ку!
21 Ҳушёр бўлинг! Фосиқликка юз бурманг,
Ахир, дард сизни фосиқликдан сақлаш учун юборилган–ку.

Элиху Аюбга Худонинг қудратини эслатади

22 Худо Ўз қудрати туфайли юксакдир!

Унга ўхшаш устоз борми?
23 Ким Худога йўл кўрсата оларди?!
Ким Унга: «Қилганларинг нотўғри», дея олади?!

24 Худо қилган ишлари учун
Инсонлар Уни мадҳ қиладилар,
Сиз ҳам доимо уларга жўр бўлинг.
25 Бутун инсон зоти Унинг ишларини кўрган,
Ҳамма узоқдан туриб кузатади.
26 Худо қанчалар буюк!
Унинг буюклигига ақлимиз етмайди,
Худонинг умрини ҳисоблайдиган соннинг ўзи йўқ.
27 У сув томчиларини йиғиб,
Уларни ёмғирга айлантиради.
28 Булутлардан ёмғир ёғдиради,
Одамзод бундан баҳраманд бўлади.
29 Худо қандай қилиб булутларни юргизишини
Ёки Ўз масканидан туриб, момақалдироқни қандай гумбурлатишини
Ким ҳам тушуна олади?
30 Мана, қаранглар, Худо шундай чақмоқ чақтирадики,
Ҳатто денгиз туби ҳам ёришиб кетади*.
31 Худо Ўз қудратли ишлари билан халқларни бошқаради,
Уларга фаровонлик ато қилади.
32 Чақмоқни қўлига олиб,
Белгилаган жойига бориб уришни амр қилади.
33 Бўрон келаётганини момақалдироқ билдириб туради,
Ҳатто чорва ҳам олдиндан сезади*.

37–БОБ

1 Мана шулар ҳақида ўйласам,
Юрагим ўйнаб, жойида сакрагандай бўлади.
2 Худо овозининг гумбурлашига яхшилаб қулоқ солинг.
Унинг оғзидан чиқаётган гулдиросни эшитинг.
3 Чақмоғи бутун фалак остида чақнаб,
Ернинг тўрт бурчига етиб боради.
4 Ундан кейин гулдурос эшитилади,
Худо Ўзининг улуғвор овози билан гумбурлаган садо чиқаради,
Унинг овози эшитилганда чақмоқ чақнайверади.
5 Ўз овози билан Худо ажойиб гулдурос ҳосил қилади,
Унинг қилган ишларига ақлимиз етмайди.
6 У буюрса ерга қор ёғади,
Худо айтгани учун сел ёғади.
7 У ҳамма одамларнинг ишларини тўхтатиб қўяди,
Шунда инсонлар Худонинг қудратини билиб олади.
8 Жониворлар ўз инларига киради,
Ўз уяларида яширинади.
9 Бўрон ўз маконидан чиқади,
Совуқ шамол эсади.
10 Худо нафаси билан муз ҳосил қилади,

Бепоён сувлар музлаб қолади.
11 Булутларни сув билан тўлдиради–да,
Уларнинг орасидан чақмоқ чақтиради.
12 Худо булутларга йўл кўрсатади,
Худонинг амрлари бажо бўлиши учун
Шамолу сув ер юзи бўйлаб айланади.
13 У баъзан, одамзодни жазолай деб, ёмғир ёғдиради.
Баъзан эса ерни суғорай,
Одамзодга Ўз севгимни кўрсатай деб, булутларни юборади.

14 Бир дақиқа жим туринг, Аюб, қулоқ солинг,
Худонинг ажойиб ишлари ҳақида ўйлаб кўринг.
15 Худо қандай қилиб булутларни бошқаришини
Ёки чақмоқ чақтиришини биласизми?
16 Қандай қилиб булутлар осмонда осилиб туришини,
Билими баркамол Худонинг ажойиботларини биласизми?
17 Ахир, ер юзида эсган гармсел* туфайли
Кийимларингиз ҳам исиб кетади–ку!
18 Осмон сайқалланган бронзадай қаттиқ*,
Худо уни ёйиб қўйган!
Шундай қилиш сизнинг ҳам қўлингиздан келадими?
19 Худога қандай гапиришни бизга ўргатинг.
Биз нотавонлар даъвоимизни тушунтира олмаймиз.
20 Гапирмоқчи бўлганимни бирортаси Худога айтиши керакми?
Ахир, инсон гапирса, албатта ҳалок бўлади–ку!
21 Шамол булутларни ҳайдагандан сўнг
Тиниқ осмонда чарақлаб турган қуёшга
Ҳеч ким қарай олмайди.
22 Шимолдан ёрқин нурлар таралмоқда,
Худо ажойиб улуғворликка бурканган.
23 Биз Қодир Худога етолмаймиз,
Унинг қудрати юксакдир.
У тўғри ҳукм чиқаради, адолатига хиёнат қилмайди.
24 Шунинг учун инсонлар Ундан қўрқади.
Ҳа, қалби донолар Худони кўради*.”

38–БОБ

Эгамиз Аюбга жавоб беради

1 Шундан кейин Эгамиз қуюн орасидан Аюбга шундай деб айтди:

2 “Билмай туриб гапираётган ким?
Ким донолигимга гумон қиляпти?
3 Қани, эркакка ўхшаб белингни боғла,
Сени сўроқ қиламан, жавоб бер–чи.

4 Заминнинг пойдеворини қўйганимда қаерда эдинг?
Доно экансан, қани айт–чи!
5 Ер юзининг сарҳадларини белгилаган ким?
Ахир, ўзинг биласан–ку!

Ким ернинг устидан чизиқ ўтказди?
6-7 Ернинг пойдеворини нима ушлаб турибди?*
Тонг юлдузлари жўр бўлиб, қўшиқ куйлаганда,
Илоҳий зотлар* қувончдан ҳайқирганда
Ернинг тамал тошини* қўйган ким?

8 Денгиз ер тубидан отилиб чиққанда,
Дарвозаларни ёпиб, тўсиб қўйган ким?*
9 Ахир, Мен булутларни денгизга кийим қилиб қўйдим.
Денгизни қалин зулмат билан ўраб қўйган Менман.
10 Мен денгизга чегаралар белгиладим,
Денгизни тамбаланган дарвозалар билан тўсиб қўйдим.
11 Мен денгизга: «Фақат мана шу ергача келасан,
Сенинг мағрур тўлқинларинг шу ерда тўхтайди», деб айтдим.

12 Сен умрингда бирор марта, тонг отсин, деб буюрганмисан?
Ёки, шарқдан кун чиқсин, деб айтганмисан?
13 Қуёш нурига: «Ернинг тўрт бурчига тарқалиб,
Фосиқларни яширинган жойидан силтаб чиқаргин», деб айтганмисан?
14 Кун ёришар экан, матодаги безаклар каби
Муҳр босилган мум каби
Ер юзидаги қирлару водийлар ўз шаклини кўрсатади.
15 Фосиқларга нур берилмайди,
Уларнинг ёмон ниятда кўтарилган қўли синади.

16 Денгиз тубидаги булоқларни бориб кўрганмисан?
Сувлар тубида юриб, текшириб кўрганмисан?
17 Ўлим дарвозалари қаердалигини биласанми?
Зулмат дарвозаларини сенга кўрсатишганми?
18 Бу дунёнинг қанчалик улканлигини биласанми?
Агар шуларнинг ҳаммасини билсанг, Менга айт–чи!

19 Ёруғликнинг масканига олиб борадиган йўлни,
Зулматнинг турар жойини биласанми?
20 Уларни ўз жойларига олиб бора оласанми?
Ўша жойга қандай боришни биласанми?
21 Ҳа, сен биласан албатта!
Сен ёруғлик ва зулматдан олдин туғилгансан–да!
Қанчалик узоқ умр кўряпсан–а!

22 Қор сақланадиган омборхоналарни кўрганмисан?
Дўл сақланадиган омборларни–чи?
23 Мен уларни кулфат кунлари учун,
Уруш ва жанг кунлари учун сақлаб қўйганман.
24 Ёруғлик манбаига олиб борадиган йўл қани?
Шарқ шамоли чиқадиган жой қаерда?

25 Селу жалага ким йўл очиб берган?
Чақмоқнинг йўлларини ким белгилаган?
26 Ҳувиллаб ётган биёбонга,
Кимсасиз чўлга ким ёмғир ёғдиради?

27 Ташландиқ харобазорларни сувга қондириб,
У ерларда майсалар ўстирадиган ким?

28 Ёмғирнинг отаси борми?
Шабнамни ким дунёга келтирган?
29 Муз қаердан туғилади?
Самодан тушадиган қировга ким ҳаёт берган?
30 Сув тошлардай қотиб қолади,
Денгиз сатҳи музлайди.

31 Парвин юлдузларини сен боғлаб қўя оласанми?
Ҳулкар* юлдузини ушлаб турган арқонларни еча оласанми?
32 Юлдуз туркумларини ўз мавсумида жойига бошлайсанми?
Катта айиқ ва кичик айиқ буржидаги юлдузларга йўл кўрсата оласанми?
33 Осмон қонунларини биласанми?
Сен ўша қонунларни ер юзига татбиқ қила оласанми?

34 Булутларга қараб бақириб кўргин–чи,
Қани, устингга ёмғир ёғармикан?
35 Сен чақмоқни чақтира оласанми?
У келиб, хизматингиздаман, дейдими?
36 Ким юракларга донолик берган?
Каллага ақл–идрокни ким солиб қўйган?*
37-38 Қани, булутларни санашга кимнинг ақли етади?
Ер қақраганда, тупроқ қотиб, кесакка айланганда
Ким фалак мешларини ағдариб, ёмғир ёғдира олади?

39-40 Ғорларида яширин ётган,
Инларида кутиб ётган
Шернинг болаларини тўйдира оласанми,
Она шерга ўлжа топиб бера оласанми?
41 Қарғанинг болалари қорни очиб, дайдиб юрганда,
Менга фарёд қилганда эҳтиёжларини қондирган ким, ахир?

39–БОБ

1 Тоғ эчкилари қачон туғишини биласанми?
Кийиклар болалаганини кўрганмисан?
2 Улар боласини неча ой қорнида кўтариб юришини биласанми?
Улар болалайдиган вақтни–чи?
3 Улар чўккалаб туғади,
Болаларини дунёга келтиради.
4 Уларнинг болалари очиқ жойларда ўсиб, кучга тўлади,
Ота–онасини ташлаб кетади, бошқа қайтиб келмайди.

5 Қулонга ким озодлик берган?
Ким унинг арқонини ечиб ташлаган?
6 Мен даштларни унга макон қилиб бердим,
Шўр ерлар қулоннинг маскани бўлди.
7 Шаҳардаги шовқин–сурондан у кулади,
Ҳеч ким унинг устига миниб, унга бақиролмайди.

8 Қирлар қулоннинг яйловидир,
Ўша ерларда у кўкатларни қидириб юради.

9 Ёввойи буқа сенга хизмат қилишга рози бўладими?
Тунни сенинг оғилингда ўтказадими?
10 Арқон билан уни омочга боғлай оласанми?
У ерларингни ағдариб берадими?
11 Кучи кўп, деб унга ишона оласанми?
Ҳамма оғир ишларингни унга топширасанми?
12 У ҳосилингни йиғиб,
Хирмонга олиб келишига ишонасанми?

13 Туяқуш қанотларини севинч билан қоқаверади,
Аммо унинг қаноту патлари лайлакникига тенг келолмайди*.
14 Туяқуш тухумларини ерга қўяди,
Уларни қумда иситади.
15 Биров оёқлари билан тухумларини босиб кетишидан,
Ёввойи ҳайвон уларни эзиб ташлашидан хавотирланмайди.
16 Ўз болаларига бегоналарга ўхшаб бераҳм.
Чеккан заҳмати беҳуда, аммо унга барибир.
17 Чунки Худо унга ақл бермаган,
Уни идрокдан қисиб қўйган.
18 Аммо туяқуш қанотларини ёйиб югурганда*,
Оту чавандозни чангида қолдириб кетади.

19 Отга кучни сен берганмисан?
Унинг бўйнини сен ёл билан қоплаганмисан?
20 Сен отларни чигирткадай сакратасанми?!
Отлар баланд овоз билан кишнаб,
Одамларни қўрқувга солади.
21 Шиддат билан ерни тепади,
Қаттиқ куч билан югуриб, жангга отилади.
22 Қўрқувни билмайди, ваҳимага тушмайди,
Қиличдан ҳам қочмайди.
23 Уларнинг устида ўқдон тарақлайди,
Атрофида қиличу найзалар ялтирайди.
24 Бурғулар чалинганда отлар бир жойда туролмайди,
Улар чопқиллаб, ерни чангитади.
25 Ҳар бурғу чалинганда кишнайди,
Узоқданоқ жанг ҳидини сезади.
Сардорларнинг жангга даъватларию ҳайқириқларини эшитади.

26 Қарчиғайлар қанотларини ёйиб, жанубга учади.
Уларга учишни сен ўргатдингми?
27 Сен буюрганинг учун бургут парвоз қиладими?
Сенинг сўзинг билан баланд жойларда ин қурадими?
28 У қояларда яшайди,
Қиррали қоялар унинг қалъаси.
29 Ўша ердан туриб, бургут ўлжасини топади,
Узоқдан туриб кўзлари кўради.

30 Унинг болалари қонга тўяди,
Жасадлар қаерда бўлса, улар ҳам ўша ерда.”

31 Кейин Эгамиз Аюбга шундай деди:

32 “Қодир Худо билан баҳслашаётган одам энди Уни тўғрилайдими?!
Қани, Худони айблаган гапирсин энди!”

Аюб Эгамизга жавоб беради

33 Шунда Аюб Эгамизга жавоб берди:

34 “Мен сенга жавоб беришга лойиқ эмасман,
Дамим ичимда, оғиз очмайман.
35 Бир–икки гапириб жавоб топмадим,
Энди бошқа гапирмайман.”

40–БОБ

Эгамиз яна Аюбга гапиради

1 Шундан кейин Эгамиз қуюн орасидан гапириб, Аюбга шундай деди:

2 “Қани, эркакка ўхшаб белингни боғла,
Сени сўроқ қиламан, жавоб бер–чи.
3 Сен Мени адолатсизликда айбламоқчимисан?
Мени ҳукм қилиб, ўзингни оқламоқчимисан?
4 Сенинг қўлинг Худонинг қўлидай қудратлими?
Унинг овозига ўхшаб гумбурлайдиган овозинг борми?

5 Шундай бўлса, қани, ўзингни шонли дабдабага ўрагин–чи,
Улуғворлик ва салобат билан буркангин–чи.
6 Ғазабингни тўкиб соч,
Ҳамма такаббур инсонларга назар солгин–да,
Уларнинг попугини пасайтириб қўй.
7 Ҳа, барча мағрур инсонларга қарагин–да,
Уларни ер билан битта қил.
Фосиқларни турган жойида эзиб ташла.
8 Ҳаммасини тупроққа кўмиб ташла,
Ҳа, юзига тупроқ тортиб, қабрни ёп.
9 Шунда Мен сенга тан бераман,
Ўз кучинг билан нажот топа оларкансан, дейман.

10 Бегемотга* қарагин,
Худди сени яратганимдай уни ҳам Мен яратганман,
У ҳўкизга ўхшаб ўт ейди.
11 Унинг белида кучи кўп,
Қорин мушаклари кучга тўла.
12 Думи садр дарахтидай кучли,
Сон мушаклари жуда ҳам бақувват.
13 Унинг суяклари бронзадан ясалган новлардай,
Қўл–оёқлари темирдай мустаҳкам.
14 Мен яратган жониворлар орасида у энг ажойибидир,

Яратганнинг Ўзигина унга бас кела олади.
15 Ёввойи ҳайвонлар ўйнаб юрадиган қирлар
Унга озиқ беради.
16 У халқоблардаги қамишлар орасида,
Нилуфар гуллари тагида ётади.
17 У нилуфар гулларининг соясида ётади,
Ирмоқ бўйидаги толлар уни ўраб олади.
18 Дарё жўшиб оқса ҳам у қўрқмайди,
Иордан дарёсининг тўлқинлари юзига урилса ҳам
У бехавотир тураверади.
19 Биров унинг кўзларини кўр қилиб, ушлай оладими?!*
Илмоқ билан бурнини тешиб тута оладими?!

20 Махлуқ Левитанни* балиқ сингари,
Илмоқ билан ушлай оласанми?!
Тилини арқон билан боғлай оласанми?!
21 Бурнидан арқон ўтказиб,
Жағини илмоқ билан теша оласанми?!
22 Ўша махлуқ қайта–қайта сендан раҳм–шафқат тилайдими?!
Хўш, у сенга майин сўзлар билан гапирадими?!
23 Сен билан аҳд тузиб,
Бир умрга қулинг бўлиб қоладими?
24 Қуш билан ўйнагандай у билан ўйнай оласанми?
Ёки қизларинг учун уни боғлаб бера оласанми?
25 Балиқчилар унинг учун савдолашадими?!
Савдогарларга уни бўлиб берадими?!
26 Унинг терисини найза билан теша оласанми?
Бошини балиқчиларнинг санчқиси билан ёра оласанми?
27 Агар унга қўл теккизсанг,
Бир умрга пушаймон бўласан!
Иккинчи қўл теккизмайдиган бўласан.

41–БОБ

1 Ҳа, махлуқ Левитанни* ушламоқчи бўлганлар ўзини ўзи алдайди,
Унинг кўриниши одамни даҳшатга туширади.
2 Уни қўзғатишга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди.

Шундай экан, ким Менга қарши чиқа олади?!
3 Хўш, кимдан қарзим борки, ҳисобини талаб қилса?!
Ахир, фалак остидаги ҳамма нарса Меники–ку!

4 Мен Левитаннинг қўлу оёқлари,
Беқиёс кучи ва ажойиб танаси ҳақида айтиб берай.
5 Ким унинг терисини шила олади?
Зирҳга ўхшаган терисини ким тешиши мумкин?*
6 Унинг оғзини ким очиб кўра олади?
Ахир, унинг тишлари қўрқинчли–ку!
7 Унинг бели қатор тизилган қалқонлардайдир*,
Улар бир–бирига ёпиштириб маҳкамланган.

8 Бир–бирига шунчалик яқинки,
Ҳатто орасидан ҳаво ҳам ўтолмайди.
9 Улар бир–бирига ёпишган,
Бирга маҳкамланган, ажратиб бўлмайди.
10 Левитан аксирганда учқун чиқади,
Кўзлари тонг нурига ўхшаб чақнайди.
11 Оғзидан аланга чиқади,
Олов учқунлари отилади.
12 Ёнаётган қамиш устида қайнаётган қозондан буғ чиққандай,
Унинг ҳам бурнидан тутун чиқади.
13 Унинг нафаси кўмирни ёндиради,
Оғзидан аланга чиқади.
14 Бўйни шу қадар бақувватки,
Кўрганлар ваҳимага тушади.
15 Эти қатлам–қатлам бўлиб, бир–бирига ёпишиб кетган,
Улар шунчалик қаттиққки, қимирлатиб бўлмайди.
16 Юраги тошдай қаттиқ,
Ҳа, тегирмон тошидай қаттиқ.
17 Левитан қўзғалганда, кучлилар ҳам қўрқади,
Левитан ташланганда, улар ғужанак бўлади.
18 Унга теккан қилич, найза, ёй ўқию
Ханжар ҳеч таъсир қилмайди.
19 Темир унга сомон кабидир,
Бронза эса чириган ёғоч кабидир.
20 Ёй ўқи уни қочиролмайди,
Палахмон тоши сомончалик таъсир қилмайди.
21 Таёқ унга хашакдай туюлади,
Найзаларнинг шувиллашидан у кулади.
22 Қорнидаги тангачалари сопол парчасидай ўткир,
Лойдан юрса, ерни ёриб ўтади.
23 Левитан ҳаракатларидан денгиз қайнайди,
Чуқур сувларни қайнаган мойдай қилади.
24 У сузган жойларда ялтираган из қолади,
Денгиз оқ сочлар билан қопланганга ўхшайди.
25 Ер юзида унга тенг келадигани йўқ,
Бу жониворда қўрқув деган нарса йўқ.
26 Барча такаббур жонзотга у паст назар билан қарайди,
Мағрур ёввойи ҳайвонларнинг шоҳи Левитандир.”

42–БОБ

Аюб Эгамизга жавоб беради

1 Шунда Аюб Эгамизга жавоб берди:

2 “Ҳа, биламан, Сен ҳамма нарсани қила оласан.
Сенинг режаларингни ҳеч ким буза олмайди.
3 «Билмай туриб, донолигимга гумон қилаётган ким?» — деб сўрадинг.
Ўша менман.
Ўзим тушунмайдиган нарсалар ҳақида оғиз очдим.

Ақлим етмайдиган ажойиботлар ҳақида гапирдим.
4 Сен: «Қани қулоқ сол, Мен гапираман.
Сени сўроқ қиламан, жавоб бер», — дединг.
5 Сен ҳақингда бировлардан эшитгандим,
Аммо энди кўзларим билан Сени кўриб турибман.
6 Шунинг учун энди айтганларимни қайтиб оламан,
Бошимга тупроғу кул сочиб*, тавба қилдим.”

Хулоса

7 Аюбга гапириб бўлгандан кейин, Эгамиз Темонлик* Элифазга шундай деди:
“Сен ва икки дўстингдан жуда қаттиқ ғазабдаман, чунки сен Мен ҳақимда тўғри
сўзларни айтмадинг. Аюб эса тўғри гапирди. 8 Энди еттита буқа ва еттита қўчқор
олиб, Аюбнинг ёнига боринглар. Ўша ерда ўз гуноҳларингиз учун Менга
куйдириладиган қурбонлик келтиринглар. Аюб сизлар учун ибодат қилади. Мен
унинг ибодатларини қабул қиламан, сизларга аҳмоқлигингизга лойиқ жазо
бермайман. Сизлар Мен ҳақимда тўғри сўзларни гапирмадингиз. Аюб эса тўғри
гапирди.” 9 Шундай қилиб, Темонлик Элифаз, Шувахлик Билдад ва Намахлик
Зўфар бориб, Эгамизнинг айтганларини қилдилар. Эгамиз Аюбнинг
ибодатларини қабул қилди.

10 Аюб ўз дўстлари учун ибодат қилгандан кейин, Эгамиз унинг бойлигини
қайта тиклади. Унга олдингидан икки баравар кўп барака берди. 11 Шунда
Аюбнинг ҳамма ака–укалари, опа–сингиллари, эски танишларининг барчаси
келишди. Унинг уйида зиёфат қилишди. Эгамиз томонидан юборилган кулфатлар
учун Аюбга ҳамдардлик билдириб, унга тасалли беришди. Уларнинг ҳар бири
Аюбга бир бўлак кумуш* ва тилла узук ҳадя қилди.

12 Аюбнинг қолган умри давомида Эгамиз унга олдингидан ҳам кўпроқ барака
берди: бу даврда Аюбнинг ўн тўрт мингта қўйлари, олти мингта туяси, минг жуфт
ҳўкизи ва мингта эшаги бор эди. 13 Эгамиз Аюбга етти ўғил ва уч қиз ҳам берди.
14 Аюб биринчи қизига Ямима, иккинчисига Казиё, учинчисига эса Харанхаппух
деб от қўйди. 15 Бутун юртда Аюбнинг қизларидай гўзал қизлар йўқ эди. Аюб
қизларига ҳам ака–укалари қатори мерос берди.

16 Шундан кейин Аюб яна бир юз қирқ йил яшади. Фарзандлар кўрди,
набиралару уларнинг фарзандларини ҳам кўрди, ҳаммаси бўлиб тўрт насл кўрди.
17 Шундай қилиб, Аюб ёшини яшаб, ошини ошаб, узоқ умр кўриб, оламдан ўтди.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Уз* — бу юртнинг қаерда жойлашгани баҳсли. Тахминларга кўра, бу юрт Ўлик денгизнинг жанубидаги Эдом ерида ёки Жалила кўлининг шарқидаги ҳозирги Сурия ҳудудида ё Арабистон ярим оролининг ғарбида жойлашган бўлиши мумкин.

1:3 *шарқ* — Яқин Шарқ, айнан Иордан дарёсининг шарқидаги юртлар назарда тутилган.

1:6 *илоҳий зотлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Худонинг ўғиллари*. Бу ибора самода яшайдиган мавжудотларга, жумладан, фаришталарга нисбатан ишлатилган. Эски Аҳдда Худонинг тахти атрофида йиғиладиган илоҳий зотлар ҳақида бир неча марта сўз юритилган (мисол учун, 3 Шоҳлар 22:19-22, Забур 81:1, 88:8, Ишаё 6:1-8 га қаранг).

1:6 *шайтон* — ибронийчадаги маъноси *айбловчи*.

1:15 *Саволиклар* — жанубдан келган кўчманчи қабила. Улар Арабистон ярим оролидан келган бўлиши мумкин.

1:17 *Халдейлар* — ҳозирги Форс қўлтиғининг шимолидаги ерларда яшаган халқ эди.

1:20 *...қайғудан кийимини йиртиб ташлади...сочини қириб ташлаб...* — кийимларни йиртиш ва сочни қириш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

2:1 *илоҳий зотлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Худонинг ўғиллари*. 1:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:1 *Шайтон* — ибронийчадаги маъноси *айбловчи*.

2:4 *Жонига азоб бериб кўр–чи, нима қилар экан?!* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Тери эвазига тери*. Бу ибора ўз даврида кенг қўлланилган бўлса керак.

2:11 *...Темонлик...Шувахлик...Намахлик...* — Темон Эдом юртида жойлашган. Шувах ва Намах шаҳарлари аниқ қаерда жойлашгани маълум эмас. Шувах шаҳри Фурот дарёси бўйида ёки Арабистон ярим оролининг шимолида, Намах шаҳри эса Байрут ва Дамашқ шаҳарларининг оралиғида жойлашган бўлиши мумкин.

3:8 *Левитан* — Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ. Левитан ҳалокат келтирувчи денгиз кучларининг ва ўрнатилган барча тартибга таҳдид соладиган бузғунчи кучларнинг рамзидир. Бу ўринда Аюбнинг нияти Левитанни чақиртириб, қуёш нурини тўсишдан иборат эди.

4:1 *Темонлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

5:2 *нодон — нодон* деб таржима қилинган ибронийча сўз ахлоқсиз одамларга ишора қилади. Бундай одамлар Худони севишни ва Унга ишонишни рад қиладилар.

6:4 *Қодир Худо отган найзалар* — кўчма маънодаги ибора бўлиб, касаллик ва азоб–уқубатга ишора қилади.

6:14 *Қайғу–алам тортаётган инсон...Ўша инсонга содиқ дўстлар керак* — ёки *Дўстига меҳр кўрсатмайдиган инсон Қодир Худодан қўрқмаслигини кўрсатади*.

6:19 *Темо юрти...Шава юрти* — Арабистон ярим оролида жойлашган.

7:6 *моки* — газлама тўқиш жараёнида ишлатиладиган кичкина ёғоч ғалтак. Моки

дастгоҳга тортилган иплар орасидан тез ўтиб, газламанинг арқоғини ўтказади.

7:9 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимги пайтларда одамлар *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

7:12 *Мен денгизманми ёки денгиз махлуқиманми?* — қадимги афсоналарга кўра, денгиз ва денгиз махлуқи бузғунчи кучларнинг рамзи бўлиб, ўрнатилган барча тартибга таҳдид солар эди. Худо дунёдаги тартибни сақлаб туриш учун бундай кучларни жиловлаб туради (38:8-11 га қаранг).

7:20 *Сенинг менда қасдинг борми?!* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан олинган (мазкур матндаги иборанинг сўзма–сўз таржимаси *Сенга оғирлигим тушиб қолдими?!*). Ибронийча матнда *Ўзимга ўзим оғир юк бўлдим*.

8:1 *Шувахлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

9:6 *Замин устунлари* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди.

9:8 *...самони ёйган...* — Ишаё 40:22 ва Забур 103:2 га қаранг.

9:8 *Денгиз тўлқинларини топтаб юради* — денгиз бузғунчи кучларнинг рамзи бўлиб, ўрнатилган барча тартибга таҳдид солар эди. Бу ерда Худо ўша кучларни тор–мор қилган Ғолиб сифатида тасвирланган (яна шу бобнинг 13–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

9:9 *Ҳулкар* — катта бурж бўлиб, бурждаги юлдузларнинг жойлашуви овчи шаклини ҳосил қилади. Ҳулкар Орион номи билан ҳам танилган. Юнон мифологиясига кўра, Орион овчи бўлган.

9:9 *Парвин* — кичкина, ёрқин бурж. Парвин “Етти опа–сингил” деган ном билан ҳам танилган (юнон мифологиясига кўра, булар Атласнинг етти қизи бўлган).

9:13 *Раҳоб* — Левитаннинг яна бир исми, Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ. Левитан ҳалокат келтирувчи денгиз кучларининг ва ўрнатилган барча тартибга таҳдид соладиган бузғунчи кучларнинг рамзидир. Муқаддас Китобда Худонинг Левитан устидан қозонган ғалабаси Унинг куч–қудрати рамзидир. Зотан, Худо бутун борлиқ устидан, шунингдек, Ўз халқининг душманлари устидан ғолиб бўлган қудратли Ҳукмдордир.

9:17 *Худо бўрон чақириб, мени эзмоқда...* — 1:18-19 даги воқеа назарда тутилган бўлса керак.

10:10 *Мени сутдай қуйиб, Пишлоқдай қотирган Ўзинг–ку* — кўчма маънодаги бу ибора Аюб онасининг қорнида пайдо бўлган лаҳзага ва ҳомила бўлиб шаклланган даврга ишора қилади.

10:21 *Ҳеч ким қайтиб келмайдиган зулмат юрти* — бу ибора ва кейинги тўрт мисра *Шеўлга*, яъни ўликлар диёрига ишора қилади. 7:9 изоҳига қаранг.

11:1 *Намахлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

11:8 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 7:9 изоҳига қаранг.

11:12 *Нодон* — 5:2 изоҳига қаранг.

12:6 *Гўё улар «гаҳ» деса, Худо қўлига қўнади!* — ёки *Улар ўз худосини қўлида кўтариб юради*. “Ўз худоси” деганда бу одамлар ишонган бут ёки қилич назарда тутилган.

13:15 *Майли, У мени ўлдирсин. Бошқа умидим йўқ–ку!* — ёки *У мени ўлдириши мумкин, лекин мен барибир умидимни Унга боғлайман*.

14:13 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 7:9 изоҳига қаранг.

15:1 *Темонлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

15:8 *Худонинг кенгаши* — Худонинг тахти атрофида самовий мавжудотлар йиғилгани ҳақида Эски Аҳдда бир неча марта сўз юритилган (мисол учун, 1:6-12, 2:1-6, 3 Шоҳлар 22:19-22, Забур 81:1, 88:8 ва Ишаё 6:1-8 га қаранг).

15:23 *...нон излаб дайдиб юрадилар...* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *...дайдиб юриб, калхатларга ем бўладилар....*

16:13 *Ўқлари* — 6:4 изоҳига қаранг.

16:15 *Қайғу–аламдан қаноргa буркандим...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қаноргa ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

16:20 *Дўстларим мени мазах қиляпти...* — ёки *Дўстим мен учун шафоат қиляпти....*

17:8 *Ўзини покдил деб билганлар...Ўзини айбсиз деб билганлар...* — Элифаз, Билдад ва Зўфар назарда тутилган бўлиши мумкин (2:11 га қаранг).

17:9 *солиҳ одам* — Аюбнинг ўзи назарда тутилган бўлиши мумкин.

17:13 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл* (шу бобнинг 16–оятида ҳам бор). 7:9 изоҳига қаранг.

18:1 *Шувахлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

18:12 *Очликдан уларнинг силлалари қуриб қолади...* — ёки *Кулфат уларга қарши тиш қайрамоқда....*

18:15 *...олтингугурт билан қопланади* — кўчма маънодаги бу ибора Худонинг ҳукмига ишора қилади (Ибтидо 19:24, Қонунлар 29:23, Забур 10:6 га қаранг).

19:24 *Темир қаламу қўрғошин билан...* — темир қалам ёрдамида тошга ҳарфлар ўйиб ёзиларди. Сўнг ўйилган ҳарфларга эритилган қўрғошин қуйиларди.

19:25 *Вақти келиб...* — ёки *Охиратда...*, яъни қиёматда деган маънони билдиради. Аммо Аюб ҳаётлигида оқланишга умид қилаётган бўлиши мумкин, деб тушунса ҳам бўлади.

19:25 *...У мени ҳимоя қилади* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...У тупроқ устида туради*. Кўчма маънодаги бу ибора “бировнинг ҳимоясига чиқиш”ни билдиради. Бу ўринда тупроқ сўзи 2:8 даги кул сўзига ишора қилаётган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда тупроқ Аюбнинг ночор аҳволини билдиради, демак, Аюб ҳаётлигида Худо уни ҳимоя қилишига умид боғлаган бўлади. Тупроқ сўзи яна бошқа бир маънода ишлатилиб, қабрга ишора қилаётган бўлиши ҳам мумкин. Агар қабр назарда тутилган бўлса, демак, Аюб охирзамонда Худо уни ҳимоя қилишига умид боғлаган бўлади.

20:1 *Намахлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

21:13 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 7:9 изоҳига қаранг.

22:1 *Темонлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

22:6 *Камбағаллардан кийимини ечиб олиб…* — қадимги пайтларда ҳатто кийимни ҳам гаровга қўйиш мумкин эди.

22:14 *осмон гумбази* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, осмон гумбазга ўхшайди ва ер остидаги тубсизликнинг пойдеворига ўрнатилган улкан устунларга таянади.

22:20 *…Битта қолмай оловда ёниб кетдилар…* — ёки *…Уларнинг ҳамма бойлиги оловда ёниб кетди….*

23:2 *…аччиқ шикоят қиламан…* — қадимий сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *…Худога қарши бош кўтариб, шикоят қиламан….*

23:12 *…Кундалик ризқимдан ҳам кўра Унинг сўзларини қимматли билдим* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча ва лотинча таржималарда *Унинг сўзларини қалбимда сақладим*.

24:2 *Фосиқлар чегараларни бузадилар…* — қадимги Исроилда бирортаси ўз ерини ажратиб олиш учун тошлардан чегара қилиб қўярди. Агар кимдир бу тошларни жойидан силжитса, қўшнисининг ота–бобосидан қолган ерни у ўғирлаётган ҳисобланарди ва бу оғир жиноят эди (Қонунлар 19:14, 27:17 га қаранг).

24:11 *Қатор–қатор зайтун дарахтлари орасида…* — ёки *Тошлар билан….*

24:19 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 7:9 изоҳига қаранг.

25:1 *Шувахлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

26:5 *Сувлар остидаги ўликлар диёрида…* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди. Ўликлар диёри ўша денгиз остида эди.

26:6 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 7:9 изоҳига қаранг.

26:6 *Ҳалокат диёри* — ибронийча матнда *Абаддўн*. Бу сўз *Шеўлни*, яъни ўликлар диёрини билдиради.

26:9 *тўлин ойнинг юзи* — ёки *Ўз тахти*.

26:11 *осмоннинг устунлари* — 22:14 изоҳига қаранг.

26:12 *Худо…денгизни мағлуб қилди* — 9:8 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

26:12 *Раҳоб* — 9:13 изоҳига қаранг.

26:13 *илон* — Раҳобга ишора. Раҳоб яна Левитан номи билан танилган. 3:8 ва Ишаё 27:1 га қаранг.

27:15 *…Бевалари эса аза ҳам тутолмайди* — уруш ва ўлат дастидан аёллар эрлари ва кўплаб фарзандларидан жудо бўладилар, чуқур қайғуга ботадилар. Бунинг оқибатида улар дафн маросимлари ва аза тутиш расм–русумларини тўлиқ бажара олмайдилар.

27:18 *қуш ини* — ёки *ипак қуртининг пилласи* ёхуд *ўргимчак ини*.

28:11 *…дарёларнинг манбаини топади…* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *…дарёларни тўсади….*

28:13 *…доноликнинг қаерда эканлигини…* — ёки *…доноликнинг қадрини….*

28:19 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

28:22 *Ҳалокат* — ибронийча матнда *Абаддўн*. Бу сўз *Шеўлни*, яъни ўликлар

диёрини билдиради.

28:22 *Ўлим — Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. 7:9 изоҳига қаранг.

30:13 *...Уларни тўхтатадиган ҳеч ким йўқ* — ёки *...Уларга қаршилик кўрсатай десам, менга ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ.*

31:12 *Ҳалокат диёри* — ибронийча матнда *Абаддўн*. 26:6 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

32:2 *Буз авлоди* — Буз Иброҳимнинг жияни эди (Ибтидо 22:20-21 га қаранг). Бу ўриндаги ибронийча сўзни *Бузлик* деб таржима қилса ҳам бўлади. Буз шаҳри Арабистон ярим оролидаги Дедон ва Темо шаҳарлари яқинида жойлашган эди (Еремиё 25:23 га қаранг).

32:3 *Натижада Худо айбдордай бўлиб қолди* — ёки *Аммо улар Аюбни айбдор деб эълон қилдилар*.

32:19 *...Янги шароб қуйилган меш каби ёрилиб кетай, дейди* — қадимги пайтларда суюқлик одатда ҳайвон терисидан қилинган мешларда сақланарди. Узум шарбати бижғиб, шаробга айланганда, мешлар шишарди. Меш эскиргани сари ўз чўзилувчанлигини йўқотгани боис, янги шароб эски мешга солинганда, мешни ёриб юборарди.

33:18 *...Ўлим дарёсидан...* — ёки *...Қиличдан ўтказилишдан....*

34:2 *эй донишмандлар* — Элиху Аюбнинг учала дўсти Элифаз, Билдад ва Зўфарга мурожаат қиляпти.

34:23 *...Худо тафтиш ўтказиши...* — ёки *...Худо вақт белгилаши....*

36:12 *...ўлим дарёсига ғарқ бўладилар...* — ёки *...қиличдан ўтказиладилар....*

36:14 *саждагоҳлардаги фоҳишлар* — ўша пайтларда бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар. Лекин Эгамиз Исроил халқига бу йўл билан сажда қилишни қатъиян ман этган (Қонунлар 23:17-18 га қаранг).

36:20 *Тунни кутаверманг...* — ўлимга ишора бўлса керак (3:20-21, 10:18-22 га қаранг).

36:30 *...Худо шундай чақмоқ чақтирадики, Ҳатто денгиз туби ҳам ёришиб кетади* — ёки *...Худо осмонни ёритиш учун чақмоқ чақтиради, Денгиз тубини эса зулматга чўктиради*.

36:33 *...Ҳатто чорва ҳам олдиндан сезади* — ёки *...Момақалдироқ Худонинг ғазабидан дарак беради*.

37:17 *гармсел* — иссиқ шамол.

37:18 *Осмон сайқалланган бронзадай қаттиқ...* — булутсиз осмонни одамлар зирҳли гумбазга ўхшатишарди (22:14 га ва ўша оятнинг изоҳига, Қонунлар 28:23 га қаранг).

37:24 *Ҳа, қалби донолар Худони кўради* — ёки *Ўзини доно ҳисоблаган инсонга эса Худо эътибор бермайди*.

38:6-7 *Ернинг пойдеворини нима ушлаб турибди?* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубидан чиққан улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Улар, бу устунларнинг

остидаги пойдевор сирли, фақат Яратганга аёндир, деб тушунганлар.

38:6-7 *Илоҳий зотлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Худонинг ўғиллари*. 1:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

38:6-7 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

38:8 *Денгиз…тўсиб қўйган ким?* — 9:8 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига, 26:12 га қаранг.

38:31 *Парвин…Ҳулкар…* — 9:9 нинг изоҳларига қаранг.

38:36 *…юраклар…Калла…* — бу оятдаги икки ибронийча сўзнинг маъноси баҳсли. Баъзи олимларнинг фикри бўйича, ибронийча матндаги бу иккала сўз ибис (иссиқ мамлакатларда яшайдиган, лайлакка ўхшаш узун оёқ қуш) ва хўрозга нисбатан ишлатилган. Қадимги даврда одамлар: “Ибис қуши ва хўроз об–ҳаводан дарак беради”, деб ишонганлари учун бу паррандаларни ақлли ва доно деб ҳисоблар эдилар. Аммо бу ўринда булутларнинг икки тури назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

39:13 *Туяқуш…Аммо унинг қаноту патлари лайлакникига тенг келолмайди* — ибронийча матнда бу оятнинг маъноси баҳсли.

39:18 *…туяқуш қанотларини ёйиб югурганда…* — ёки *…туяқуш ўрнидан сакраб туриб, югурганда….*

40:10 *Бегемот* — бу ўриндаги ибронийча сўз филга ишора қилиши ҳам мумкин. Баъзи тахминларга кўра, бу ерда афсонавий мавжудот назарда тутилган, аммо ушбу оятнинг ўзида ёзилганидай, Худо одамзодни яратгани каби, бегемотни ҳам яратган.

40:19 *Биров унинг кўзларини кўр қилиб, ушлай оладими?!* — ёки *Биров уни тузоққа тушира оладими?!* ёхуд *Биров уни ғафлатда қолдириб, ушлай оладими?!*

40:20 *Левитан* — одатда бу сўз Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуққа ишора қилади (3:8 изоҳига қаранг). Аммо бу ўринда тимсоҳ ёки катта денгиз махлуқи назарда тутилган бўлса керак.

41:1 *Левитан* — 40:20 изоҳига қаранг.

41:5 *Зирҳга ўхшаган терисини ким тешиши мумкин?* — ёки *Ким уни жиловлаш учун яқинлаша олади?*

41:7 *Унинг бели қатор тизилган қалқонлардайдир…* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Қатор–қатор қалқонлари унинг ғуруридир….*

42:6 *…Бошимга тупроғу кул сочиб…* — бошга тупроқ ва кул сочиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

42:7 *Темонлик* — 2:11 изоҳига қаранг.

42:11 *бир бўлак кумуш* — ибронийча матнда *бир киситo*. Бу пул бирлигининг қиймати ва оғирлиги ҳақидаги маълумот сақланиб қолмаган. Қадимги пайтларда маълум вазндаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

ЗАБУР

Кириш

Забур китоби Худога бағишланган турли мазмундаги шеърларнинг мажмуасидир. Уларни баъзан қўшиқ қилиб куйлашган, баъзан эса якка тартибда ёки гуруҳда ибодат сифатида айтишган. Китоб 150 та санодан иборат бўлиб, аксарият саноларнинг муаллифи шоҳ Довуд ҳисобланади. Санолар йиллар давомида тўпланган. Исроил халқининг Худога сажда қилишида бу санолар муҳим ўрин эгаллайди.

Саноларда иброний шеъриятининг параллелизм деб аталган усули кенг қўлланилган. Одатда бу усул бирор ғояни тасдиқлаш, унга урғу бериш ёки қўшимча маъно ифодалаш мақсадида ишлатилади. Параллелизм ҳосил қилишда мазмунан яқин бўлган гаплар жуфт мисраларда бирин–кетин, турли сўзлар билан такрорланади. Мисол учун,

"Эй шоҳлар! Энди ақл билан иш қилинг.
Эй замин ҳукмдорлари! Огоҳ бўлинг." (2:10)

Саноларда Муқаддас Китоб таркибидаги кўп китобларнинг бош ғояси ўз аксини топади. Бу ғоялар ҳамду сано, шукрона, имон, умид–ишонч, гуноҳ оқибатидаги қайғу, Худонинг содиқлиги ва мадади кабилардан иборат. Барча саноларнинг туб мағзида Худога бўлган қаттиқ ишонч, Унга нисбатан самимий иззат–ҳурмат ётади. Саноларнинг ижодкорлари ўзларининг чинакам ҳис–туйғуларини ифодалаб, Худони чексиз марҳамати учун олқишлайдилар, қийинчилик пайтларида эса юракдаги дардларини тўкиб соладилар.

Қадимги Исроилда санолар мазмунига кўра турли ҳолатларда қуйидагича ишлатилган:

Худога ҳамду сано айтиш учун (масалан, 104–сано),
қайғу–ғамларни ифодалаш учун (масалан, 12–сано),
таълим бериш учун (масалан, 1–сано),
Исроил шоҳига иззат–ҳурматини ифода этиш учун, унинг ҳукмронлиги даврида адолат устун бўлишини тилаб, Худога ибодат қилиш учун (масалан, 71–сано),
жамики борлиқ устидан ҳукмрон бўлган Худонинг қудратини эътироф этиш учун (масалан, 46–сано),
Қуддусга бўлган севгини изҳор этиш учун (масалан, 121–сано),
байрамларни нишонлаш учун (масалан, 125–сано).

Албатта, аксарият санолардан биттадан ортиқ мақсадда фойдаланилган.

Исо Масиҳ ваъз қилганда ва таълим берганда санолардан фойдаланган. Янги Аҳд муаллифлари ҳам саноларнинг баъзиларини ўз китобларида қайд этиб ўтганлар. Илк масиҳийлар ҳам сажда қилганларида, таълим берганларида, Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни бошқаларга ҳикоя қилиб берганларида санолардан фойдаланганлар.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

1–САНО

1 Шундай инсонлар саодатлидир:
Улар фосиқлар маслаҳатига юрмайди,
Гуноҳкорлар йўлида улар турмайди,
Мазахчилар орасида ўтирмайди.
2 Ҳа, улар Эгамизнинг қонунидан завқ олади,
Туну кун таълимотининг мағзини чақади.
3 Ундай инсонлар оқар сув бўйига ўтқазилган
Дарахтларга ўхшайди.
Улар ўз мавсумида мевасини беради,
Барглари асло қуримайди.
Улар неки қилса, муваффақиятга эришади.

4 Фосиқлар эса бундай эмаслар,
Шамолда тўзғиб кетадиган сомонга ўхшайди.
5 Ҳукмда фосиқлар оқлана олмайди,
Солиҳлар жамоасидан гуноҳкорлар жой
ололмайди.
6 Эгамиз солиҳнинг йўлини қўриқлайди,
Фосиқнинг йўли ҳалокатга етаклайди.

2–САНО

1 Нега қутуради халқлар?!
Нега беҳуда фитна қилар элатлар?!
2 Замин шоҳлари Эгамизга
Ва У танлаган шоҳга қарши саф тортадилар.
Ҳукмдорлар фитна қўзғаб, шундай дейдилар:
3 “Синдирайлик улар солган кишанларни,
Олиб ташлайлик бўйнимиздан сиртмоқларни.”

4 Самода ҳукмрон бўлган Раббий эса
Уларни масхаралаб, устидан кулади.
5 Раббий ғазаб билан уларни огоҳ этади,
Қаҳрини сочиб, ваҳимага солиб айтади:
6 “Мен Сионга*, Ўзимнинг муқаддас тепалигимга
Ўз шоҳимни жойлаштирдим.”

7 Эгамизнинг сўзларини шоҳ эълон қилмоқда:
“Эгамиз менга шундай деди:
«Сен Менинг ўғлимсан,
Бугун Мен сенга ота бўлдим*.
8 Тила, халқларни сенга мулк қилиб бераман,
Ернинг тўрт томони сеники бўлади.
9 Темир хивчин ила уларни уриб эзасан*,
Сопол кўзани синдиргандай уларни
парчалайсан.»”

10 Эй шоҳлар! Энди ақл билан иш қилинг.

Эй замин ҳукмдорлари! Огоҳ бўлинг.
11 Қўрқув ила Эгамизга сажда қилинг!
Ваҳима ила тавба қилинг!*
12 Унинг ўғлига* таъзим қилинг,
Бўлмаса У ғазабланади,
Йўлингизда йўқ бўлиб кетасиз,
Унинг ғазаби тез аланга олади.

Нақадар бахтлидир Унда паноҳ топганлар!

3–САНО

1 *Ўғли Абсаломдан қочиб кетгандан кейин*
Довуднинг айтган саноси.

2 Эй Эгам! Ғанимларим нақадар кўпдир!
Менга қарши қўзғалганлар қанчалар кўпдир!
3 Кўплар мен ҳақимда:
“Худодан унга нажот йўқ”, деб айтадилар.
4 Эй Эгам, Менинг қалқонимсан!
Шуҳратим Сенсан!
Сен бошимни юксалтирасан.

5 Эгамиздан мадад сўраб қиламан фарёд,
Муқаддас тепалигидан* У менга беради жавоб.
6 Эгамиз мени ҳимоя этгани учун
Ётиб ухлаб, яна уйғонаман.
7 Ҳар томондан мени қуршаб турган
Ўн мингларча ғанимларимдан қўрқмасман.

8 Қўзғалгин, эй Эгам!
Нажот бер, эй Худойим!
Ҳамма ғанимларимнинг юзларига урасан,
Қабиҳларнинг тишларини синдирасан.
9 Эй Эгам! Нажот Сендан келади!
Баракаларинг халқингга келсин!

4–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Торли асбоблар*
жўрлигида айтиладиган Довуд саноси.

2 Эй менинг одил Худойим!
Илтижо қилганимда жавоб бер!
Кулфатда қолганимда мени озод қилдинг.
Менга шафқат қилиб, ибодатимни эшит.

3 Эй инсонлар, қачонгача шаънимни ерга
урасиз?!
Қачонгача пуч сўзларга кўнгил боғлайсиз?!
Қачонгача ёлғонларни излаб юрасиз?!*
4 Унутмангки, Эгамиз Ўзи учун танлайди

тақводорни,
Илтижо қилганимда, Эгамиз эшитади мени.
5 Ҳатто ғазабланганингизда ҳам гуноҳ қилманг*,
Тунда ётганингизда ўйланг, сукут сақланг.
6 Муносиб қурбонликлар келтиринг,
Умидингизни Эгамизга боғланг.

7 Кўп одамлар айтади:
“Яхши замонларни ким бизга кўрсатади?!” деб.
Эй Эгам, жамолинг бизга нурларини сочсин!
8 Дон ва шароби мўл бўлганлар қувонади,
Сен юрагимга ундан ҳам кўпроқ шодлик бердинг.
9 Ётганимда хотиржам ухлайман,
Эй Эгам, ёлғиз Сен мени омон сақлайсан.

5–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Най жўрлигида айтиладиган Довуд саноси.*

2 Сўзларимга қулоқ тут, эй Эгам!
Диққат қилгин нолаларимга.
3 Эшитгин, мадад сўраб илтижо этаман,
Сен ҳам Шоҳимсан, ҳам Худойимсан!
Шу боис Сенга ибодат қиламан.
4 Эй Эгам! Тонг чоғи овозимни эшитасан,
Субҳидамда Сенга ёлвораман,
Сендан жавоб кутаман.

5 Қабиҳликдан мамнун бўлмайдиган Худосан Сен,
Сенга меҳмон бўлолмас гуноҳкор инсон.
6 Такаббурлар ҳузурингда тура олмайдилар,
Ҳамма бадкирдорларни Сен ёмон кўрасан.
7 Ёлғон гапирадиганларни Сен қириб ташлайсан,
Эй Эгам, қонхўр, ёлғончилардан Сен жирканасан.

8 Мен эса содиқ севгингнинг мўллиги сабаб
Сенинг уйингга кираман.
Муқаддас Маъбадингда таъзим қиламан,
Қўрқув ила Сенга сажда қиламан.
9 Нақадар душманларим кўп, эй Эгам,
Одиллигинг билан мени сўқмоғингдан етакла,
Ўз йўлларингни менга равшан қил.

10 Душманларим оғзидан ҳақиқат чиқмайди,
Уларнинг юраклари балою офатдир.
Очиқ қабр кабидир оғизлари,
Тиллари хушомад қилади.
11 Эй Худо, уларни жазолагин!
Ёмон ниятлари ўзларининг бошига етсин.
Улар Сенга қарши исён қилганлар.

Гуноҳлари кўплиги учун уларни ҳайдаб юборгин.

12 Сенда паноҳ топганларнинг ҳаммаси севинсин,
То абад шодликдан улар куйласин.
Уларни Сен ҳимоя қилганинг учун,
Сени севганлар севинч ила жўшсин.
13 Эй Эгам! Сен солиҳ кишиларга барака берасан,
Сенинг ҳимматинг уларни қалқондай ҳимоя
қилади.

6–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Саккиз торли асбоб жўрлигида айтиладиган Довуд саноси.*

2 Эй Эгам! Ғазаб билан менга танбеҳ бермагин,
Қаҳринг сочиб, менга жазо бермагин.
3 Эй Эгам, мадорим йўқ, раҳм қил менга,
Суякларим зирқирайди хасталикдан,
Эй Эгам, шифо бер менга.
4 Азоб чекмоқда жоним,
Қачонгача куттирасан, эй Эгам, қачонгача?

5 Кел энди, эй Эгам, қутқар жонимни,
Содиқ севгинг ҳақи озод қил мени.
6 Ахир, ўлганда эсламас ҳеч ким Сени,
Ўликлар диёрида* ким шукур қилар Сенга?!

7 Оҳ–воҳ қилавериб чарчадим,
Тунлари кўз ёшларим туфайли ўрним ҳўл бўлди,
Йиғлаганимдан тўшагим шалаббо бўлади.
8 Кўзларим нури сўнди ғамдан,
Заифлашди кўзларим душманларим дастидан.

9 Йўқолинглар кўзимдан ҳаммангиз, эй
бадкирдорлар!
Нола–йиғиларимни Эгам эшитди.
10 Эгам эшитди менинг илтижоимни,
Эгам қабул қилади менинг ибодатимни.
11 Жамики душманларим уялиб қолади,
Ҳаммаси ваҳимага тушиб қолади,
Ўша он шарманда бўлиб, қайтиб кетади.

7–САНО

1 *Бенямин қабиласидан бўлган Кушнинг қилмишлари туфайли Довуднинг Эгамизга айтган марсияси.*

2 Сенда паноҳ топаман, эй Эгам Худо,
Пайимга тушганлардан халос эт, қутқар мени.
3 Йўқса, улар мени шердай ғажиб ташлайди,

Бурда–бурда қилади, ҳеч ким мени
қутқаролмайди.

4-5 Эй Эгам Худо!
Агарда кимгадир ноҳақлик қилган бўлсам,
Дўстимни душманига сотган бўлсам мабодо,
Ғанимимни сабабсиз талаган бўлсам,
Ҳа, агарда у ишларни қилган бўлсам,
6 Душманларим таъқиб қилсин, тутсин мени,
Танамни тупроққа қорсин,
Жасадимни ерга ташласин.

7 Қани, ғазабингни сочгин, эй Эгам!
Қўзғал ёвларимнинг қаҳрига қарши!
Кўриб, адолат қилгин!
8 Халқларни атрофингга тўплагин,
Баланддаги тахтингда ўтириб,
Улар устидан ҳукмронлик қилгин.

9 Эй Эгам, олий Ҳакам Ўзингсан,
Сен халқларни ҳукм қиласан.
Эй юксалган Эгам,
Ҳукм пайтида юзимни ёруғ қил,
Биласан–ку, солиҳман, бегуноҳман.
10 Фосиқларнинг ёвузлиги барҳам топсин,
Солиҳлар барқарор бўлсин.
Онгу юракларни синагувчи Сенсан,
Эй одил Худо!

11 Менинг қалқонимдир юксалган Худо,
Покдилларга У нажот беради.
12 Адолатли ҳакамдир Худо,
Қабиҳга У доим ғазабини сочади.
13 Агар инсон тавба қилмаса,
Худо қиличини чархлайди,
Камонини тайёр қилиб туради.
14 Қирғин қуролларини шай қилиб қўйган,
Оловли ўқларини тайёрлаб қўйган.

15 Ана, қабиҳлар қабиҳликдан уруғ орттиради,
Дарду балолардан ҳомиладор бўлади,
Охир–оқибатда ёлғонни туғади.
16 Улар чуқур қазийдилар,
Аммо чоҳга ўзлари қулайдилар.
17 Уларнинг дарду балоси ўзига қайтади,
Зўравонлиги ўзларининг бошига етади.

18 Эгамизга, адолатинг учун шукур, дейман.
Эгамиз — Худойи Таолога ҳамду санолар
куйлайман.

8–САНО

[1] *Ижрочилар раҳбарига. Соз жўрлигида айтиладиган Довуд саноси.*

[2] Эй Эгам, бизнинг Раббимиз!
Бутун ер юзида Сенинг номинг улуғвордир!
Осмондан ҳам юксакдир Сенинг шуҳратинг!
[3] Душманларингнинг, қасоскорларнинг
Овозини ўчирай дея,
Сен болалар ва чақалоқларни
Ўз қудратингни сўйлашга ўргатдинг.
[4] Қўлларинг ижоди бўлган осмонингга қарадим,
Ўзинг жойлаштирган юлдузлару ойга боқдим.
[5] Инсон зоти недирки, у ҳақда ўйлагайсан?!
Бандалар* недирки, Сен уларни ардоқлагайсан?!

[6] Сен уларни Ўзингдан* андак паст қилдинг,
Иззату шараф тожини уларга кийгиздинг.
[7] Жамики яратганинг узра уларни ҳукмрон
қилдинг*,
Бор нарсани уларнинг оёғи остига қўйдинг:
[8] Жамики молу қўйларни ҳам,
Барча ёввойи ҳайвонларни ҳам,
[9] Самодаги қушларни ва денгиздаги балиқларни,
Денгизда сузувчи ҳар хил махлуқларни.
Ҳа, уларнинг устидан инсонни ҳукмрон қилдинг.

[10] Эй Эгам, бизнинг Раббимиз!
Бутун ер юзида Сенинг номинг улуғвордир!

9–САНО

[1] *Ижрочилар раҳбарига. “Қизлар*” куйига айтиладиган Довуд саноси.*

[2] Бутун юрагимдан, эй Эгам, Сенга шукур
айтаман,
Барча ажойиб ишларингни сўйлайман.
[3] Сен туфайли шодланиб, қувонаман.
Қўшиқ айтиб, Сени мадҳ этаман,
Эй Худойи Таоло!

[4] Душманларим чекиниб қочганларида,
Қоқилиб, нобуд бўлди Сенинг ҳузурингда.
[5] Сен адолат ила ҳукм қилиб тахтга ўтирдинг,
Мени ҳукм этиб, юзимни ёруғ қилдинг.
[6] Халқларни Сен ваҳимага солдинг,
Қабиҳларни қириб ташладинг.
Уларнинг номини бир умрга ўчирдинг.
[7] Вайроналар ичра душманимиз то абад ғойиб
бўлди,

Уларнинг шаҳрини Сен вайрон этдинг,
Уларнинг хотираси тамоман ўчди.

8 Эгамиз эса то абад Ўз тахтида ўтиради,
У тахтини ҳукм қилиш учун қургандир.
9 У оламни адолат билан бошқаради,
Халқларни одилона ҳукм қилади.
10 Мазлум учун Эгамиз қалъадай бўлади,
Ҳа, қайғули дамларда У паноҳ бўлади.

11 Эй Эгам, Сени танийдиганлар
Ўзингга умид боғлайди.
Сенга юз бурганларни тарк этмайсан.

12 Ҳамду сано куйланг Қуддусда* тахт қурган
Эгамизга!
Унинг ишларини эълон қилинг халқлар орасида!
13 Қасоскор Эгамиз мазлумларни ёдида тутади,
Жафокашлар фарёдини У унутмайди.

14 Раҳм қил менга, эй Эгам, қара!
Мендан нафратланган ғанимларим азоб
бермоқда!
Ўлим оғзидан мени қайтарадиган Сенсан!
15 Шу боис гўзал Қуддус дарвозалари олдида
Сенга ҳамду сано айтайин,
Менга нажот берган Сенсан,
Шу боис ҳам қувонайин.

16 Халқлар ўзлари қазиган чуқурга ўзлари
йиқилди*,
Яширган тўрларига оёқларидан илинди.
17 Эгамиз адолатли ҳукми ила
Ўзининг кимлигини кўрсатди.
Қабиҳлар ўзлари қўйган тузоққа илинди.

18 Қабиҳлар ва Худони унутган жамики халқлар
Ўликлар диёрига* тушар.
19 Муҳтожни Худо бир умрга унутмас,
Бечораҳолнинг умидини то абад йўққа чиқармас.

20 Қани, эй Эгам! Инсон зоти ғолиб чиқмасин,
Халқлар ҳузурингда ҳукм қилинсин.
21 Уларни қўрқувга сол, эй Эгам!
Халқлар инсон зоти эканлигини билсин.

22 Нечун, эй Эгам, узоқда турибсан?
Қайғули дамларда Ўзингни яширасан?

23 Такаббур қабиҳлар бечорани таъқиб қилади,
Тўқиган иғволари ўзларининг бошига етсин.

[24] Қабиҳлар ёвуз эҳтиролари билан мақтанади,
Очкўзлар Эгамизни лаънатлайди, Ундан
нафратланади.
[25] Худога интилмайди ўзига бино қўйган
қабиҳлар,
“Худо йўқдир”, деб доим ўйлайди улар.
[26] Қабиҳларнинг доим иши юришади,
Худонинг амрларини улар тушунмайди,
Душманларини писанд қилмайди.
[27] Улар ўз кўнглида ўйлайдилар:
“Биз ҳеч қачон қоқилмаймиз,
Ҳеч қачон кулфатларга дуч келмаймиз.”
[28] Қабиҳларнинг оғзидан лаънат, ҳийла, пўписа
чиқади,
Сўзлари билан улар одамларни яралаб, барбод
қилади.
[29] Улар қишлоқларда яшириниб олади,
Бегуноҳ инсонни пойлаб ўлдиради.
Кўзлари ожиз қурбонни қидиради.
[30] Шерга ўхшаб панада кутиб туради,
Бечорани ушлайман деб, писиб ётади,
Заифни ўз сиртмоғига илинтириб, ушлаб олади.
[31] Қабиҳлар ўз кучи билан заифни йиқитади,
Уни ётқизиб, эзиб ташлайди.
[32] Улар ўз кўнгилларида: “Худо
қилмишларимизни унутган,
У кўзларини юмиб олган, ҳеч нарсани кўрмайди”,
деб ўйлайди.

[33] Қани, эй Эгам! Ургин қабиҳларни,
Эй Худо! Унутмагин мазлумларни!
[34] Нечун қабиҳлар Сендан нафратланади?
Нечун ўз кўнглида улар:
“Худо Мендан ҳисоб сўрамайди”, деб айтади?
[35] Сен эса кўриб турасан,
Билиб турасан кулфату азобда қолганларни.
Қўлларингни уларга узатасан,
Ожиз ўзини Сенинг паноҳингга топширади,
Сен етимга доим ёрдам бергансан.
[36] Қабиҳлару ёвузларнинг қўлини қирққин,
Қилмишлари учун улардан ҳисоб сўра,
Токи улар бошқа ёвузлик қилмасин.

[37] Эгамиз Шоҳдир то абад,
Ўзга халқлар йўқ бўлади Унинг юртидан.

[38] Эй Эгам, мазлумларнинг истакларига қулоқ
соласан,
Уларнинг юракларига далда берасан.
Етиму мазлумнинг додини Сен эшитиб,

39 Ер юзида банда уларни ваҳимага солмасин дея,
Уларга Сен адолат қиласан.

10–САНО

Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.

1 Эгамизда мен паноҳ топаман,
Қандай қилиб сиз менга:
“Қуш каби учиб кетгин тоғларга”, дейсиз?
2 Сизлар менга:
“Қара, покдилнинг юрагини панадан отмоқ учун
Қабиҳлар ёйларини тайёрлади,
Ўқларини шайлаб, мўлжалга олди.
3 Қонун оёқ ости бўлганда,
Солиҳ нима қила олади?!” деб айтасиз.

4 Эгамиз Ўзининг муқаддас Маъбадидадир,
Эгамизнинг тахти самодадир.
У инсонни кўздан қочирмайди,
Нигоҳи инсонни текшириб туради.
5 Эгамиз солиҳни ҳамда қабиҳни синайди,
Зулмни севувчидан У ниҳоятда нафратланади.

6 Қабиҳнинг устига чўғ, олтингугурт ёғдиради*,
Уларга улуш қилиб гармселни* беради.
7 Эгамиз адолатлидир, У тўғри ишларни севади,
Тўғри юрадиган инсон
Унинг марҳаматидан баҳраманд бўлади.

11–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Саккиз торли асбоб жўрлигида айтиладиган Довуд саноси.*

2 Нажот бергин бизга, эй Эгам!
Тақводор бир инсон қолмади,
Сенга содиқ инсон йўқ бўлиб кетди.
3 Ҳамма бир–бирига ёлғон сўзлайди,
Хушомадгўйлик билан бир–бирини алдайди.

4 Хушомадгўй тилларни Эгамиз кесиб ташласин,
Мақтанчоқ оғизларни У қириб ташласин.
5 Ахир, улар: “Оғзимиз билан эришамиз ҳар
нарсага,
Тилимиз ўзимизники, ким хўжайин бизга?!” деб
айтади.

6 Эгамиз айтмоқда: “Муҳтож эзилиб кетди,
Бечора нола қилди. Энди қўзғаламан,
Ўзлари интилган нажотга етказаман.”
7 Эгамизнинг ваъдалари ғоятда покдир,

Унинг сўзлари ўчоқда
Етти карра тозаланган кумушга ўхшайди.

8-9 Ҳар тарафда қабиҳлар дайдиб юради,
Ҳар ёқда одамлар ёмонликни мақтаб юради.
Эй Эгам! Булардан бизларни сақлагайсан,
То абад бу наслдан бизни ҳимоя қилгайсан.

12–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Эй Эгам, қачонгача мени унутасан?
Наҳотки мени то абад унутсанг?!
Қачонгача мендан юз ўгирасан?
3 Қачонгача жоним азобда қолади,
Кун бўйи юрагим ғамга тўлади?
Қачонгача душманим мендан устун келади?
4 Жавоб бер, эй Эгам Худо, боқ ҳолимга!
Кучимни қайтаргин, токи кетмайин ўлим
уйқусига.
5 “Уни енгдим”, деб айтмасин душманим,
Йиқилганимда севинмасин ёварим!

6 Мен умид боғлайман содиқ севгингга,
Нажотингдан қалбим тўлади қувончга.
Эй Эгам, қўшиқ айтаман Сенга,
Зеро, Сен иноят айладинг менга.

13–САНО

Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.

1 Аҳмоқлар* ўз кўнглида: “Худо йўқ”, дейди.
Улар ярамаслардир, қилмиши жирканч
ишлардир,
Яхшилик қилувчи бирон зот йўқдир.

2 “Идрокли бирон зот бормикан?
Бормикан Менга юз бурган?” дея
Инсонга Эгамиз самодан боқар.
3 Ҳаммаси адашган, бирдай бузилган,
Яхшилик қилувчи бир кимса йўқдир,
Ҳатто биронта ҳам йўқ!

4 Улар идроксиз, бадкирдор,
Халқимни бир луқма нондай еб юборади,
Ҳеч қачон Эгамизга сажда қилмайди.
5 Ана, босаётир уларни қаттиқ ваҳима,
Худо солиҳлар биландир бирга.
6 Бадкирдорлар мазлумнинг ниятини пучга
чиқарса ҳам,

Эгамиз мазлумларнинг паноҳидир.

7 Эҳ, Қуддусдан* Исроилга нажот келсайди!
Эгамиз Ўз халқини яна фаровонликка
эриштирса,
Ёқуб насли шод бўлгай, Исроил севингай!

14–САНО

Довуд саноси.

1 Эй Эгам, ким яшайди Сенинг масканингда?
Ким макон топади Сенинг муқаддас тоғингда?*

2 Тўғри юриб, тўғри иш қилганлар яшайди,
Юракдан ҳақ гапни айтганлар яшайди.
3 Бошқаларга бўҳтон қилмаганлар яшайди,
Дўстларига ёмонлик қилмаганлар яшайди,
Қўшниларини ҳақорат қилмаганлар яшайди.
4 Разил кимсалардан нафратланганлар яшайди,
Эй Эгам, Сендан қўрққанларни иззатлаганлар
яшайди,
Ўзига зарар бўлса ҳам, аҳдида турганлар яшайди.
5 Қарз бериб судхўрлик қилмаганлар яшайди.
Айбсизга қарши гувоҳлик бериш учун пора
олмаганлар яшайди.

Буларни қилганлар тинч–омон бўлади.

15–САНО

Довуд қўшиғи.

1 Ўзинг сақла мени, эй Худо!
Мен Сенда паноҳ топаман.

2 Эгамга айтдим: “Менинг Раббимсан,
Сендан бошқа менинг буюк бахтим йўқ.”
3 Нақадар улуғвордир юртдаги тақводорлар,
Улардан мен ғоят завқ оламан.
4 Сохта худоларга эргашганларнинг кулфати
ортади.
Уларнинг ичимлик назри қон экан,
Мен уларнинг бу назрларига қўшилмайман,
Сохта худоларнинг исмларини тилга олмайман.

5 Эй Эгам! Барқарорлигим Сенсан,
Муваффақиятим ҳам Ўзингдирсан,
Келажагимни Сен таъминлайсан.
6 Ҳосилдор ерни мерос олган инсонга ўхшайман.
Ахир, Сен мени ажойиб мулкнинг соҳиби
қилдинг!

7 Эгамни олқишлайман,
У менга йўл кўрсатади,
Тунда ҳам қалбим менга ўгит беради.
8 Мен доим Эгамга кўз тикаман,
У ўнг томонимда бўлгани учун
Мени ҳеч нарса қўзғата олмас.

9 Шу боис, эй Эгам, юрагим қувончга тўла,
Жоним ҳам қувонади.
Танам хавф–хатарсиз яшайди.
10 Мени ўликлар диёрида* қолдирмайсан,
Тақводорингни* қабрда чиритмайсан.
11 Менга ҳаёт сўқмоғини Ўзинг кўрсатасан,
Ҳузурингда шодлик мени қамраб олади,
Менга боқий ҳузур–ҳаловатни Сен берасан.

16–САНО

Довуд ибодати.

1 Эй Эгам, ҳақли даъвоимни эшит,
Фарёдимга эътибор бер.
Ҳийласиз оғзимдан чиққан
Ибодатимга қулоқ тут.
2 Бегуноҳлигимни кўрсатгин Сен,
Адолатни кўрсин кўзларинг.

3 Ҳатто юрагимни тафтиш қилиб,
Тунда мени синаб кўрсанг,
Агар мени имтиҳон қилсанг,
Ёмон ниятни менда топа олмасдинг.
Оғзим гуноҳ қилмас, қарорим шудир.
4 Инсонлар қилмишини мен қилмадим,
Сенинг амрингга мен итоат этдим,
Зўравоннинг йўлларидан ўзимни сақладим.
5 Қадамларим сўқмоқларингда собит бўлди,
Оёқларим ҳеч қачон тойиб кетмади.

6 Сенга илтижо қиламан, эй Худо,
Биламан, Сен менга жавоб берасан.
Менга қулоқ тутиб, сўзларимни эшитгин.
7 Содиқлигингни зоҳир эт ажойиб ишлар ила.
Рақиблардан қочиб Сенга борганларга
Ўнг қўлинг билан нажот бергувчи Сенсан.
8 Мени кўзларинг қорачиғидай асрагин,
Мени қанотларинг соясида яширгин,
9 Мени талайдиган фосиқлардан асрагин,
Атрофимда шай турган ашаддий ёвларимдан
яширгин.
10 Уларнинг юрагида шафқатга жой йўқ,

Оғизлари билан киборларча гапиради.
11 Улар мени таъқиб қилиб, ўраб олганлар,
Ерга урмоқ учун менга кўзларини тикади.
12 Душманларим мени ғажимоқчи бўлган шерга
ўхшайди,
Пана жойда писиб ётган йиртқич шерга ўхшайди.

13 Кел, эй Эгам! Уларга қарши юз бур,
Тиз чўктиргин уларни!
Қиличинг ила фосиқлардан қутқаргин мени!
14 Эй Эгам! Қудратинг ила
Мени бундай инсонлардан қутқаргин,
Уларнинг насибаси фақатгина бу дунёдадир.
Тайёрлаб қўйган аччиқ кўргиликларинг билан
Уларни тўйдиргин,
Ҳатто болаларига ҳам етсин,
Набиралари ҳам тотиб кўрсин.

15 Солиҳ бўлганим учун мен Сени кўргайман,
Уйғониб, жамолингни кўрганимдан рози
бўлгайман.

17–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Эгамизнинг қули Довуд саноси. Эгамиз Довудни жамики душманлари ва Шоулнинг қўлидан озод қилгандан кейин Довуд Эгамизга атаб шу қўшиқни айтди.*

2 Сени севаман, эй Эгам, менинг қудратим.

3 Эгам суянган қоямдир*, менинг қалъам,
қутқарувчимдир.
Ҳа, Худодир менинг қоям, Унда паноҳ топаман.
Удир менинг қалқоним, қудратли нажоткорим*,
қўрғоним.
4 Эгамга илтижо қиламан,
Ғанимларимдан У мени халос қилади.
Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

5 Мени ўлим тўрлари чирмаб олганди,
Бало–қазо селлари даҳшат ила босиб келганди.
6 Ҳа, ўликлар диёрининг* тўрлари мени ўраб
олганди,
Ўлим ўз тузоғига мени асир қилганди.
7 Кулфатда қолганимда Эгамга илтижо қилдим,
Ҳа, нола қилдим Худойимга.
У Маъбадидан туриб, овозимни эшитди,
Оҳу нолам қулоғига етиб борди.

8 Ўша замон ер юзи титраб, тебранди,

Тоғларнинг пойдевори ларзага келди,
Эгам ғоят ғазабга минган эди.
9 Бурнидан тутун буруқсаб чиқарди,
Оғзидан оташ пишқирарди,
Олдидан қип–қизил чўғ ёғиларди.
10 У кўкларни ёриб, пастга тушди,
Оёқлари остида — қора булут.
11 Эгам бир карубга* миниб учди,
Ел қанотлари узра учиб келди.
12 Атрофини зулмат билан ўради,
Қуюқ, қора булутларни Ўзига чайла қилди.
13 Улкан нур Эгамнинг олдидан чиқди,
Дўл ва қип–қизил чўғ қоп–қора булутларни
парчалади.
14 Эгамизнинг овози кўкларда гулдиради,
Худойи Таолонинг садоси эшитилди*.
15 Ўқларини отди,
Чақмоқ чақтириб, ёвларини тирқиратди,
Уларни саросимага солди.
16 Эгамизнинг таҳдидларидан,
Унинг қаҳрли нафасидан
Денгизнинг туби кўриниб қолди,
Замин пойдевори* яланғоч бўлиб қолди.

17 Эгам юқоридан қўл узатиб, мени тутди,
Баҳайбат сувлардан мени чиқариб олди.
18 Мени кучли ғанимларим қўлидан,
Мендан нафратланган ёвларимдан қутқарди,
Улар мендан кучли эдилар.
19 Қора кунимда улар менга ҳамла қилдилар,
Аммо Эгам менга таянч бўлди.
20 Мени бехавотир жойга чиқариб қўйди,
Мендан мамнун бўлиб, нажот берди.

21 Эгам солиҳлигим учун мени мукофотлайди,
Айбсизлигим учун мени тақдирлайди.
22 Зеро, мен Эгамнинг йўлидан юрдим,
Ахлоқсизлик қилмадим, Худойимдан юз
ўгирмадим.
23 Унинг ҳамма қонун–қоидаларига риоя қилдим,
Фармонларини четга суриб қўймадим.
24 Унинг олдида бенуқсон бўлдим,
Гуноҳ қилишдан ўзимни сақладим.
25 Шу сабабли Эгам мени пок деб билди,
Солиҳлигимга яраша мукофот берди.

26 Эй Эгам! Сенга содиқ бўлганга Сен содиқ
бўласан,
Яхши инсондан яхшилигингни аямайсан,
27 Пок кишига поклигингни кўрсатасан,

Эгрининг айёрлигини ўз бошига соласан.
28 Аҳли камтарга эса нажот берасан,
Димоғдорни ерга урасан.

29 Эй Эгам Худо! Чироғимни ёқувчи Ўзингсан,
Зулматни мен учун ёруғликка айлантирасан.
30 Эй Худойим! Сенга суяниб лашкарни йўқ
қиламан,
Сенга суяниб деворлардан ошиб ўтаман.

31 Худонинг йўли комилдир,
Эгамизнинг каломи чин ҳақиқатдир,
Паноҳ излаб борганга У қалқондир.
32 Эгамиздан бошқа Худо ким экан?!
Худойимиздан бўлак суянчиқ Қоя бормикан?!
33 Мени қудратли қилувчи Худодир,
Йўлимни Ўзи бехатар қилади.
34 У оёқларимни кийик оёғидай қилади,
Чўққилар узра мени бехатар юргизади.
35 Қўлларимни жанг қилишга ўргатади,
Бармоқларим бронза ёйни бука олади.
36 Эй Эгам, Сен менга зафар қалқонингни
бергансан,
Ўнг қўлинг менга таянч бўлади,
Мададинг эса мени юксалтиради.
37 Оёқларим учун йўлимни кенг қилгансан,
Оёқларим сира оғиб кетмайди.

38 Ғанимларимни қувлаб, тутиб олдим,
Уларни йўқ қилмай ортга қайтмадим.
39 Шундай эздимки уларни, тура олмадилар,
Оёқларим остида чўзилиб қолдилар.
40 Сен менга қувват бериб, жангга юбординг,
Менга қарши отланган ёвни олдимда бош
эгдирдинг.
41 Ғанимларимни мендан қочирдинг,
Мендан нафратланганларни мен йўқ қилдим.
42 Улар мадад сўраб фарёд қилдилар,
Нажоткорни эса тополмадилар,
Эй Эгам, ғанимларим Сенга ёлвордилар,
Аммо Сен жавоб бермадинг.
43 Шамолнинг чангидай уларни эздим,
Йўлдаги лойдек сидириб ташладим.

44 Сен мени халқнинг уруш–жанжалидан халос
этдинг.
Мени элларга йўлбошчи қилдинг,
Ўзим танимаган элат менга қарам бўлди.
45 Овозимни эшитибоқ қулоқ тутди,
Ёт эллар менга бўйин эгди.

46 Ёт эллар ҳолсизланиб йиқилди,
Қалтираб манзилидан чиқиб қочди.

47 Эгам барҳаётдир! Суянган Қоямга олқишлар
бўлсин!
Нажоткорим Худо юксалсин!
48 Қасдимни олган Худодир,
Халқларни менга У тобе қилган,
49 Мени ғанимларимдан У қутқарган,
Босқинчилардан мени устун қилган,
Мени зўравонлар қўлидан халос этган.

50 Шу боис, эй Эгам, халқлар ичра
Сенга ҳамдлар айтаман!
Сени куйлаб сано айтаман!

51 Эгамиз Ўз шоҳини улуғ зафарларга
эриштиради,
Ўзи танлаган шоҳ Довуд ва унинг наслига
То абад содиқ севгисини кўрсатади.

18–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Худонинг шуҳратини самолар намоён қилади,
Унинг ижодини фалак тоқи айтиб туради.
3 Осмон кундан–кунга буни билдиради,
Ҳар тун бундан хабардор қилади.
4 Само, фалак айтмас бир гап, ё бир жумла,
Чиқмас улардан ҳеч бир садо.
5 Аммо хабарлари* ҳар томонга тарқалади,
Оламнинг четигача етиб боради.

Худо самоларда қуёш учун чодир қурган.
6 Қуёш гўшангадан чиққан куёвга ўхшайди.
Қаҳрамонларга ўхшаб ғайрат билан йўлагидан
боради.
7 Самоларнинг бир четидан у чиқиб,
Айланиб, бошқа бир четига йўл олади,
Унинг тафтидан ҳеч нарса яширина олмайди.

8 Эгамизнинг қонуни мукаммалдир,
Бизга янги куч ато этади,
Эгамизнинг фармонлари ишончлидир,
Соддаларга донолик беради.
9 Эгамизнинг буйруқлари тўғридир,
Қалбларни шодликка тўлдиради,
Эгамизнинг амрлари равшандир,
Улар кўзларга нур беради.
10 Эгамиздан қўрқиш покликдир,

Бу то абад давом этади.
Эгамизнинг қоидалари ҳақиқатдир,
Ҳаммаси ғоят адолатлидир.
11 Улар соф олтиндан ҳам аълодир,
Тоза асалдан ҳам ширинроқдир.

12 Эй Эгам, қоидаларинг менга, Ўз қулингга ўгит
беради,
Қоидаларингга итоат этганлар буюк мукофот
олади.
13 Ким ўз хатосини била олади?!
Яширин хатолардан мени Ўзинг поклагин.
14 Мен, қулингни ошкора гуноҳдан сақлагин,
Устимдан гуноҳ ҳоким бўлмасин.
Шунда мен айбсиз бўламан,
Оғир гуноҳдан ҳам холи бўламан.

15 Эй Эгам, суянган Қоям, Қутқарувчим!
Оғзимдан чиққан сўзлар,
Юракдаги ниятларим Сенга маъқул бўлсин.

19–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Кулфатда қолганингда, Эгамиз сенга жавоб
берсин,
Бобомиз Ёқубнинг Худоси сени тинч–омон
сақласин.
3 Муқаддас масканидан У сенга мадад юборсин,
Қуддусдан* У сенга таянч бўлсин.
4 У сенинг ҳамма назрларингни ёдда тутсин,
Куйдирилган қурбонликларингни қабул этсин.
5 Кўнглинг истаганини Эгамиз сенга инъом
қилсин,
Ҳамма режаларингни рўёбга чиқарсин.
6 Шунда биз зафарингни севинч ила куйлаймиз,
Худойимиз номи билан байроқлар ўрнатамиз,
Ҳамма илтижоларингни Эгамиз рўёбга чиқарсин.

7 Биламан, Эгамиз Ўзи танлаган шоҳга нажот
беради,
Эгамиз муқаддас самосидан унга жавоб беради,
Эгамиз ўнг қўли билан унга буюк ғалаба ато
қилади.
8 Баъзилар жанг араваларига ишонади,
Баъзилар отлари билан мақтанади,
Биз эса Эгамиз Худога ишонамиз.
9 Улар ҳолсизланиб йиқиладилар,
Биз эса кучайиб қад ростлаймиз.

10 Эй Эгам, шоҳимизга ато қилгин ғалаба,
Илтижо қилганимизда, жавоб бергин бизга*.

20–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Эй Эгам! Сенинг қудратинг туфайли шоҳ
қувонади,
Сен берган зафарлардан у нақадар лаззатланар!
3 Кўнглидаги истакларини рўёбга чиқардинг,
Унинг тилакларини рад қилмадинг.
4 Улуғ баракани унга ато қилдинг,
Унинг бошига соф олтин тож кийгиздинг.
5 Сендан умр сўраганда, умр бердинг,
Узоқ ҳамда боқий умр бахш этдинг.
6 Шоҳнинг шуҳрати Сен берган зафарлар
туфайли улуғдир,
Унга дабдаба, улуғворлик ато қилган Сенсан.
7 Сен то абад унга барака берасан,
Унга жуда яқин бўлиб,
Уни шодликка тўлдирасан.
8 Эгамизга шоҳимиз умид боғлайди,
Худойи Таолонинг содиқ севгиси туфайли
У ҳеч қачон қоқилмайди.

9 Эй шоҳимиз, қўлинг барча душманларингни
мағлуб қилади,
Ҳа, ўнг қўлинг сендан нафратланганларни
мағлуб қилади.
10 Сен зоҳир бўлганинг замон
Қизиган тандирдай уларни ёндирасан.
Эгамиз Ўз ғазаби билан уларни ютиб юборади,
Аланга уларни ёндириб ташлайди.
11 Эй шоҳимиз, уларнинг наслини
Ер юзидан қириб ташлайсан,
Зурриётини инсоният орасидан йўқотасан.
12 Душманларинг сенга қарши ёмонликни режа
қилсалар,
Улар сенга қарши фитна қўзғасалар,
Ҳеч нарсага эриша олмайдилар.
13 Камонингдан уларга ўқлар отасан,
Ортига қочишга мажбур қиласан.

14 Ўз қудратинг туфайли юксалавер, эй Эгам,
Қудратингни куйлаб, ҳамду сано айтамиз.

21–САНО

[1] *Ижрочилар раҳбарига. “Тонгда чиққан кийик” куйига айтиладиган Довуд саноси.*

[2] Эй Худойим! Нега мени тарк этдинг?!
Нега мендан узоқдасан шу қадар?!
Эй Худойим! Нечун менга нажот бермайсан?!
Оҳу нолаларимни эшитмайсан?!
[3] Эй Худойим, кун бўйи илтижо қиламан,
Сен эса жавоб бермайсан.
Тун бўйи ёлвораман,
Аммо менга тинчлик йўқ.

[4] Барибир Сен Муқаддас Худосан,
Исроилнинг ҳамду саноси қуршаб олган
тахтингни.
[5] Ота–боболаримнинг умиди Сенда эди,
Сен уларга нажот бердинг.
[6] Улар Сенга нола қилиб, нажот топдилар,
Улар Сенга ишониб, уялиб қолмадилар.

[7] Ахир, мен инсон эмас, бир қуртдирман.
Одамлар ҳазар қилган, халқлар нафратланган.
[8] Мени кўрган ҳар ким устимдан кулар,
Мени ҳақоратлаб, бош чайқаб дерлар:
[9] “Эгангга ишон, Ўзи қутқариб олар,
Эганг сендан мамнун бўлса, У нажот берар.”

[10] Онам қорнидан Сен мени чиқарган эдинг,
Онам бағрида Ўзинг мени омон сақлаган эдинг.
[11] Сенга таянаман туғилганимдан буён,
Менинг Худойимсан онам дунёга келтиргандан
буён.
[12] Мендан узоқ бўлмагин!
Ахир, кулфат ёнгинамда–ку,
Менга мадад бергувчи бирон кимса йўқ!

[13] Бир гала буқалар* Мени қуршаб олган,
Ҳа, Башан ўлкасининг* кучли буқалари Мени
ўраб олган.
[14] Ўкириб ўлжасини пора қиладиган шерга
ўхшаб,
Мен томон улар оғизларини катта очган.

[15] Ҳаётим сув каби тўкилди,
Суякларим бўғинидан бўшашди,
Юрагим мум каби ичимда эриб кетди.
[16] Мадорим қуриб, сопол парчасидай бўлиб
қолдим*,
Тилим танглайимга ёпишиб қолди,

Мени ўлим тўшагига ётқиздинг.

17 Атрофимда кўппаклар изғийди,
Бадкирдорлар тўдаси мени қуршаб олгандир,
Қўлу оёқларимни улар илма–тешик қилади*.
18 Ҳамма суякларим кўриниб туради,
Душманларим кўзларини чақчайтириб,
Еб қўйгудек бўлади.
19 Кийимларимни улар ўзаро бўлишган,
Либосим учун қуръа ташлашган.

20 Мендан узоқ турма, эй Эгам!
Кучим манбаи Сенсан! Тез кел, ёрдам бер!
21 Жонимни қилич дамидан қутқар,
Ҳаётимни кўппаклар чангалидан қутқар!
22 Шерлар оғзидан қутқаргин мени!
Ёввойи буқалар шохидан асрагин мени!

Сен илтижоимга жавоб бердинг.
23 Биродарларимга Сен ҳақингда айтаман,
Жамоа орасида Сенга ҳамду сано ўқийман.
24 Уларга шундай дейман:
“Эгамизга ҳамду сано айтинг, эй Ундан
қўрққанлар!
Эгамизни улуғланг, эй Ёқуб насли!
Эгамизни иззатланг, эй Исроил насли!
25 Кулфатда қолган бечорадан Эгамиз юз
ўгирмади.
Унинг қайғуларидан ҳазар қилмади,
нафратланмади.
Бечоранинг нолаларини Эгамиз эшитди.”

26 Улуғ жамоа ичра
Ҳамду сано айтишимнинг сабаби Сенсан.
Сендан қўрққанлар олдида онтимни адо этаман.
27 Эй Эгам, қашшоқлар еб тўядилар*,
Сенга юз бурганлар Сени мадҳ қиладилар,
Улар дунё тургунча турсинлар!

28 Эгамизни эслаб, Унга юз бурсинлар
Ер юзидаги жамики инсонлар!
Жамики уруғу элатлар
Унга сажда қилсинлар!
29 Эгамиз ҳокимияти мутлақдир,
Элатлар устидан У ҳукмрондир.

30 Жамики бойлар ҳам зиёфат еб, Унга таъзим
қилади.
Тупроқ остига кетаётганлар ҳам Унга сажда
қилади,
Ҳатто ўз ҳаётини сақлай олмайдиганлар таъзим

қилади.
31 Авлодлар Унга хизмат қилади,
Келгуси насллар Раббий ҳақида эшитади.
32 Улар келиб Эгамизнинг нажоти ҳақида эълон
қилади,
Унинг қилганларини ҳали туғилмаган халқларга
айтади.

22–САНО

Довуд саноси.

1 Эгам Менинг чўпонимдир,
Мен муҳтожлик кўрмасман асло.
2 Ям–яшил яйловларда У менга ором беради,
Сокин ирмоқлар бўйида У мени етаклайди.
3 У менга қайта куч бахш этади.
Ўзининг номи ҳақи–ҳурмати
Мени тўғри йўлга бошлайди.

4 Эй Эгам!
Ҳатто зулмат водийсида* юрсам ҳам,
Хавф–хатардан қўрқмайман,
Ахир, Сен мен билан биргасан.
Сенинг чўпон таёғинг*,
Хивичинг* мени ҳимоя қилади.

5 Душманларимнинг кўз ўнгида
Мен учун дастурхон тузайсан.
Бошимга мой суртиб,
Сен мени ҳурмат билан кутиб оласан.
Косамни лаззатли неъматларга лим–лим
тўлдирасан.
6 Умрим бўйи Сенинг меҳр–шафқатинг изимдан
юради,
Эй Эгам, Сенинг уйинг то абад менинг масканим
бўлади.

23–САНО

Довуд саноси.

1 Эгамизникидир замин, ундаги бутун борлиқ,
Оламу унда яшовчи жамики жонзот.
2 У оламни ўрнатган денгизлар узра,
Мустаҳкам қилган уни уммонлар узра*.

3 Ким туриши мумкин Эгамизнинг муқаддас
маконида?
Ким чиқиши мумкин Унинг тепалигига?*
4 Қўли ҳалол, қалби тоза инсонлар,
Сохта нарсаларга кўнгил қўймаганлар,

Ёлғондакам онт ичмаганлар.
5 Эгамиз уларга барака беради,
Нажоткор Худо уларни оқлайди.
6 Эгамизга юз бурган жамоа ўшандайдир.
Ҳа, Худога интилган Ёқуб насли* шундайдир.

7 Қаддингизни ростланг, эй дарвозалар!
Очилинглар, эй азалий эшиклар!
Токи кира қолсин улуғвор Шоҳ!
8 У улуғвор Шоҳ ким экан?
Жангларда ғолиб бўлган,
Кучли, қудратли Эгамиз Шоҳдир!
9 Қаддингизни ростланг, эй дарвозалар!
Очилинглар, эй азалий эшиклар!
Токи кира қолсин улуғвор Шоҳ!
10 У улуғвор Шоҳ ким экан?
Сарвари Оламнинг Ўзи улуғвор Шоҳдир.

24–САНО

Довуд саноси.

1 Юрагимни очаман Сенга, эй Эгам!
2 Сенга умид боғлайман, эй Худойим!
Шарманда бўлишимга йўл қўймагин,
Душманларим мендан устун келмасин.
3 Сенга ишонганлар асло бўлмасин шарманда.
Шармандалик келсин
Сенга асоссиз хиёнат қилганларнинг бошига.

4 Эй Эгам, йўлларингни менга кўрсат,
Сўқмоқларингни менга ўргат.
5 Ўзинг мени бошлаб боргин,
Ҳақиқатингни менга ўргатгин,
Нажоткорим Худо Ўзингсан,
Кун бўйи Сендан умид қиламан.

6 Ёдингда тут, эй Эгам, буюк шафқатингни
Ҳамда севгида содиқлигингни.
Ахир, азалдан Сен шундай қилгансан.
7 Ёшликда қилган гуноҳларимни эсга олмагин,
Итоатсизликларим учун мени жазоламагин.
Содиқ севгинг ҳақи ёдга ол мени,
Ахир, Сен яхшисан, эй Эгам!

8 Эгамиз яхши, адолатлидир!
У гуноҳкорларга йўл–йўриқ кўрсатади.
9 У камтарни тўғриликка бошлайди,
Камтарин инсонни Ўз йўлига ўргатади.
10 Эгамиз қилган ҳар иши орқали
Унинг аҳдига риоя қилганларга

Севгисию садоқатини кўрсатади.

11 Менинг айбларим кўп.
Эй Эгам, Ўз номинг ҳақи
Айбларимни кечиргин.

12 Агарда инсон Эгамиздан қўрқса,
Эгамиз унга тўғри йўл танлашни ўргатади.
13 Ўша инсон умрини фаровонликда ўтказади,
Унинг насли юртни мулк қилиб олади.
14 Эгамиз Ундан қўрқадиганларга
Ўз ниятларини ишониб билдиради,
Ўз аҳдини уларга маълум қилади.
15 Нигоҳим доимо Эгам томондадир,
У оёқларимни тузоқдан халос қилади.

16 Эй Эгам, ҳолимга боқ, меҳрибонлик қил.
Мен ёлғизман, тушкунликка тушганман.
17 Юракдаги ғамларим ортиб бормоқда,
Шу кулфатдан мени қутқаргин.
18 Кулфату ғамларимни кўриб,
Барча гуноҳларимдан ўтгин.

19 Қара, душманларим нақадар кўп,
Мендан қаттиқ нафрат қиларлар.
20 Ҳаётимни асра, қутқаргин мени,
Шармандали аҳволга солмагин мени,
Зотан, Сенда паноҳ топаман мен.
21 Ҳаққонийлик, тўғрилик сақласин мени,
Зотан, Сендан умид қиламан мен.

22 Эй Худо, қутқаргин Исроилни
Жамики кулфатларидан!

25–САНО

Довуд саноси.

1 Эй Эгам, тўғри юрганим учун
Мени оқлагин.
Қоқилмасдан Сенга таяндим.
2 Синаб, имтиҳон қил мени, эй Эгам!
Юрагимни, ниятимни синаб кўр!
3 Сенинг содиқ севгинг кўз ўнгимдадир,
Сенга доим содиқман*.

4 Ёлғончиларга мен шерик бўлмайман,
Мунофиқлар билан дўст бўлмайман.
5 Фосиқлар тўдасидан нафрат этаман,
Қабиҳларга мен шерик бўлмайман.

6 Намоён қилмоқ учун айбсизлигимни

Қўлларимни юваман, эй Эгам.
Қурбонгоҳинг атрофида юраман,
7 Баланд овоз ила шукрона қўшиғини куйлайман,
Жамики мўъжизаларинг ҳақида айтаман.

8 Эй Эгам, севаман Сен маскан қилган уйни,
Улуғворлигинг порлаган жойни.
9 Гуноҳкорлар қатори жонимни олма,
Қонхўрлар қатори ҳаётимга чек қўйма.
10 Уларнинг қўллари тузади ёвуз режа,
Ўнг қўллари порага тўла.

11 Мен эса пок ҳаёт кечираман,
Қутқар мени, қил менга шафқат.
12 Тўғри йўлдан оғмайман,
Эй Эгам, улуғ йиғинларда Сени олқишлайман.

26–САНО

Довуд саноси.

1 Эгам нурим ва нажотимдир,
Кимдан қўрқаман?!
Эгам ҳаётимнинг қалъасидир,
Ким мени қўрқита олар?!
2 Мени ўлдирмоқчи бўлиб,
Ёвузлар устимга бостириб келганда,
Ҳа, ғаним душманларим менга ҳужум қилганда,
Қоқилиб, йиқилиб тушадилар.
3 Ҳатто бутун лашкар мени ўраб олса ҳам,
Юрагимда асло қўрқув пайдо бўлмас.
Ҳатто менга қарши жангга отланса ҳам,
Ишончим ҳеч ҳам йўқолмас.

4 Бир нарсани Эгамдан сўраганман,
Ҳа, Ундан истаганим битта нарсадир:
Эгамнинг уйида то абад яшай,
Эгамнинг жамолини кўрай,
Маъбадда туриб, Унга мунтазир бўлай.

5 Кулфатда қолган кунларимда
У мени Ўз чайласида омон сақлайди.
Чодири остида мени яширади,
Баланд қоя тепасига ўтқазиб қўяди.

6 Энди эса ҳар тарафдаги ғанимларим устидан
Бошим мағрур кўтарилгандир.
Шодликдан ҳайқириб,
Эгамнинг Чодирида қурбонлик келтираман.
Эгамни олқишлаб, қўшиқ айтаман.

7 Эшитгин, эй Эгам, илтижо қилганимда,

Шафқат қилгин, жавоб бер менга.
8 “Менга интил!” деганингни қалбим эшитди,
Ҳа, эй Эгам, мен Сенга интиламан.
9 Мендан юз ўгирмагин,
Ғазаб ила мен, Ўз қулингдан воз кечмагин,
Мададкорим Сен бўлгансан–ку, эй Эгам.
Рад этма, тарк айлама мени, эй нажоткорим
Худо!
10 Ота–онам мени тарк этса ҳатто,
Эй Эгам, Сен мени қабул қиласан.
11 Йўлингни менга кўрсат, эй Эгам,
Душманларим пойлаб тургани учун
Мени тўғри сўқмоқларингдан етакла.
12 Ғанимларим қўлларига топширма мени.
Ахир, сохта гувоҳлар, ноҳақ айбловчилар
Менга қарши чиқдилар.

13 Шубҳам йўқ, тириклар диёрида
Эгамнинг эзгулигини албатта кўраман.
14 Эгамизга умид боғла,
Дадил бўл, юрагингга далда бер,
Эгамизга умид боғла!

27–САНО

Довуд саноси.

1 Сенга илтижо қиламан, эй Эгам,
Мени эшитмай қолмагин, эй суянган Қоям.
Агар менга гапирмай сукут сақласанг,
Қабрга тушган одам каби бўлиб қоламан.
2 Эшитгин, Сенга илтижо қиламан.
Муқаддас масканингга* қўлларимни чўзиб,
Фарёд қилиб, Сендан мадад сўрайман.

3 Мени фосиқларнинг қаторига қўшмагин,
Уларнинг қилмишлари ёмонликдир,
Қўшниларига тилёғламалик қилади,
Юракларида эса ёвуз ниятдир.
4 Қилмишига яраша уларга жазо бергин,
Ифлосликларига яраша жазолагин.
Қабиҳ ишларига яраша адабини бергин,
Хизматига яраша уларга қайтаргин.
5 Эй Эгам, улар ишларингни қадрламас,
Сенинг ижодингга эътибор қилмас,
Сен уларни йиқитасан,
Улар қайтиб тикланолмас.

6 Олқишлар бўлсин Эгамизга,
Илтижоларимни У эшитди.
7 Эгам — менинг қудратим, қалқонимдир,

Юракдан Унга умид боғлаганман.
Эгам менга мадад берди, бахтиёрман.
Қўшиғим ила Унга шукрона айтаман.

8 Эгамиз Ўз халқининг қудратидир,
Ўзи танлаган шоҳнинг нажот қўрғонидир.

9 Халқингга нажот бер, эй Эгам,
Ўз элатингга барака бергин.
Уларнинг чўпони бўлгин,
То абад уларга ғамхўрлик қилгин.

28–САНО

Довуд саноси.

1 Эгамизга ҳамдлар айтинг, эй илоҳий зотлар*,
Эгамизнинг қудратию шуҳратига ҳамдлар ўқинг.
2 Эгамизнинг шарафига ҳамдлар ўқинг,
Муқаддас улуғворликка бурканган Эгамизга
сажда қилинг!*

3 Эгамизнинг овози сувлар узра эшитилади,
Улуғвор Худо гулдираб садо беради.
Ҳа, азим сувлар узра
Эгамиз гулдираб садо беради.
4 Эгамизнинг овози қудратлидир,
Эгамизнинг овози ҳайбатлидир.

5 Эгамизнинг овози садр дарахтларини қулатади,
Ҳатто Лубнондаги садр дарахтларини* парчалаб
ташлайди.
6 Лубнон тоғларини Эгамиз буқадай сакратади,
Ҳа, Хермон тоғини* ёввойи бузоқдай сакратади.
7 Эгамизнинг овози чақмоқ чақтиради,
8 Эгамизнинг овози саҳрони титратади,
Эгамиз Кадеш саҳросини ларзага солади.

9 Эгамизнинг овози улкан дарахтларни эгиб
юборади*,
Ўрмонларни яланғочлаб, шилиб юборади,
“Эгамиз улуғвордир”, деб Маъбадида ҳамма
куйлайди.

10 Эгамиз тўфонни* жиловлади,
У то абад Шоҳ бўлиб тахтда ўтиради.
11 Эгамиз Ўз халқига куч ато этсин,
Ўз халқига тинчлик билан барака берсин.

29–САНО

1 *Довуд саноси. Эгамизнинг уйи бағишланган*

пайтда айтилган қўшиқ.

2 Эй Эгам, Сени улуғлайман!
Қабр оғзидан мени қутқардинг,
Душманларим менинг устимдан кулишига йўл
қўймадинг.
3 Сендан мадад сўраб ёлвордим, эй Эгам Худо,
Менга Сен бердинг шифо.
4 Эй Эгам, ўликлар диёридан* жонимни олиб
чиқдинг,
Қабрдан мени қутқариб қолдинг.

5 Эй Эгамизнинг тақводорлари!
Эгамизга ҳамду сано куйланглар,
Унинг муқаддас номини олқишланг.
6 Эгамизнинг ғазаби бир лаҳза давом этади,
Лутфу карами бир умр тугамасдир.
Шу боис қайғу–алам тун бўйи давом этса ҳам,
Тонг билан бирга шодлик ҳам кириб келади.

7 Ишларим юришганда,
“Асло қоқилмасман!” дер эдим.
8 Эй Эгам, лутфу караминг билан
Мени тоғдай мустаҳкам қилгандинг.
Аммо юзингни ўгирганингда,
Мен даҳшатга тушдим.

9 Эй Эгам, мен Сенга илтижо қилдим,
Шафқат сўраб, эй Раббий, Сенга ёлвордим:
10 Агар мен кириб кетсам қабрга,
Менинг ўлимимдан не фойда Сенга?!
Тупроқ Сенга ҳамду сано айтарми?!*
Сенинг содиқлигингни у сўйларми?!
11 Эшит, эй Эгам, менга раҳм қилгин,
Эй Эгам, менга мададкор бўлгин!

12 Азамни Сен тўйга айлантирдинг,
Аза либосини* эгнимдан олиб ташладинг,
Шодликни менга кийгиздинг.
13 Қалбим сукут сақламай, Сени куйлаб сано
ўқисин,
Эй Эгам Худо, Сенга то абад шукур айтаман.

30–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Эй Эгам, Сенда мен паноҳ топаман,
Шарманда бўлишимга асло йўл қўйма,
Адолатлисан, мени қутқаргин.
3 Қулоқ тут менга, дарров халос қилгин,
Менинг паноҳ қоям бўлгин.

Нажот топай, мустаҳкам қўрғоним бўлгин.

4 Чиндан ҳам Сен суянган қоямсан, қалъамсан,
Ўз номинг ҳақи мени етакла, йўл кўрсатгин.
5 Сен менинг паноҳимсан.
Қўйилган тузоқдан мени қутқаргин.
6 Ҳаётимни Сенга топшираман, эй Эгам,
Мени қутқарасан, эй содиқ Худо.

7 Сохта худоларни иззатлаганларга
Мен нафратимни сочаман.
Эй Эгам, мен Сенга умид боғлайман.
8 Содиқ севгинг ила шод–хуррам бўлай,
Қайғуларимни Ўзинг кўргансан,
Жоним азобда қолганини биласан.
9 Мени ғаним қўлига бермадинг,
Оёқларимни бехавотир ерга қўйдинг.

10 Раҳм қил, эй Эгам, кулфатда қолдим,
Кўзларим қайғудан толди,
Жону танам адойи тамом бўлди.
11 Ҳаётим азоб билан тугайди,
Йилларим оҳ–воҳ билан битади.
Гуноҳларим* дастидан кучдан қолдим,
Этларим суякларимга ёпишиб кетган.

12 Душманларим мени ҳақорат қилади,
Қўшниларим мендан ҳазар қилади.
Дўстларим ҳам мендан қўрқади,
Кўчада кўриб мени, қочиб кетади.
13 Мени унутдилар, гўё ўлганман,
Гўё синган сопол идиш кабиман.
14 Эшитяпман, кўпчилик ғийбат қилади,
Атрофимни даҳшат ўраб олган.
Биргаликда менга қарши фитна тўқишади,
Мени ўлдирмоқни ният қилишади.

15 Эй Эгам, мен Сенга умид боғлайман,
“Менинг Худойим Сенсан”, деб айтаман.
16 Ҳаётим Сенинг қўлингдадир,
Ғанимларим қўлидан,
Пайимга тушганлардан мени қутқаргин.
17 Жамолинг мен, қулингга нурларини сочсин,
Сен содиқсан, мени қутқаргин.
18 Йўл қўйма, эй Эгам, шарманда бўлишимга,
Мадад сўраб илтижо қилдим Сенга.
Қабиҳлар шармандаи шармисор бўлсин,
Ўликлар диёрига* жим кириб борсин.
19 Ўчсин уларнинг ёлғончи овозлари,
Зеро, такаббурлик ва нафрат билан

Улар солиҳга қарши сўйлар.

20 О, нақадар буюкдир Сенинг эзгулигинг!
Ўзингдан қўрққанларга уни сақлаб қўйгансан,
Сенда паноҳ топганларга ҳадя қиласан,
Ҳамманинг кўзи олдида инъом қиласан.
21 Ҳузурингда уларни ҳимоя қиласан,
Инсон фитналаридан омон сақлайсан.
Уларни Ўз чодиринг остида
Иғволардан сақлаб турасан.

22 Қамалда қолган шаҳардай бўлганимда
Менга ажойиб садоқатингни кўрсатганинг учун
Эй Эгам, Сенга олқишлар бўлсин!
23 Ваҳимага тушиб мен:
“Эй Эгам, Сенинг назарингдан маҳрум бўлдим”,
дегандим.
Ҳа, мадад сўраб Сенга ёлворганимда
Илтижоларимни эшитдинг.

24 Эй Эгамизнинг тақводорлари, Уни севинг!
Унга содиқ бўлганларни Эгамиз ҳимоя қилади,
Такаббурларга тўлиқ жазо беради.
25 Бардам бўлинг, дадил бўлсин юрагингиз,
Эй сиз, Эгамиздан умид қилганлар!

31–САНО

Довуд қасидаси.*

1 Итоатсизлиги кечирилганлар бахтлидир,
Эгамиз кимнинг гуноҳидан ўтган бўлса,
Ўша инсон бахтлидир.
2 Эгамиз кимнинг айбини ёзмаган бўлса,
Ўша инсон бахтлидир,
Руҳида ҳийла бўлмаганлар бахтлидир.

3 Эй Эгам, гуноҳимни бўйнимга олмай, рад
қилганимда,
Танам қоқ суяк бўлиб қолганди,
Кун бўйи оҳ–воҳ қилиб чиқардим.
4 Кечаю кундуз тарбия беришдан тўхтамадинг,
Саратон иссиғидагидай мадорим қуриб қолди.
5 Энди олдингда гуноҳимни эътироф этдим,
Айбимни яширмай, ўзим айтдим:
“Эгам олдида итоатсизлигимни бўйнимга
оламан.”
Сен эса менинг гуноҳимни кечирдинг.

6 Шу боис ҳар бир тақводор
Вақт борида Сенга ибодат қилсин.

Шунда азим сувлар тўфони
Тақводорларга етиб бормас.
7 Сен менинг паноҳимсан,
Мени кулфатлардан Сен асрайсан,
Нажот қўшиғи ила мени ўрайсан.

8 Эгамиз айтар: “Сизларга Мен йўл кўрсатаман,
Юрадиган йўлларингизни ўргатаман,
Маслаҳат бераман, сизларни кузатаман.
9 Онгсиз от ёки хачир каби бўлманглар,
Уларни йўлга солмоқ учун сувлуқ, жилов керак,
Бўлмаса улар ёнингизга келмайди.”

10 Фосиқнинг азоби кўпдир,
Лекин Эгамиздан умидворларни
Содиқ севги қуршаб олади.
11 Эй солиҳлар, Эгамиз туфайли шодланинг,
қувонинг!
Эй барча кўнгли поклар, шодликдан куйланг!

32–САНО

1 Севинч ила Эгамизга қўшиқ куйланг, эй
солиҳлар!
Унга ҳамду сано айтмоқ покдил инсонларга
муносибдир!
2 Лира чалиб, Эгамизга ҳамдлар айтинг,
Ўн торли арфа чалиб, Унга қўшиқ куйланг.
3 Эгамизга янги бир қўшиқ айтинг,
Маҳорат ила тор чалиб, шодликдан ҳайқиринг.

4 Эгамизнинг каломи ҳақиқатдир,
Унинг барча ишлари ишончлидир.
5 Эгамиз адолату ҳақиқатни севади,
Замин Унинг содиқ севгисига тўла.

6 Самолар бунёд бўлган Эгамизнинг каломидан,
Самодаги жисмлар яралган Унинг нафасидан.
7 У денгиз сувларини йиғиб қўйган,
Тубсиз сувларни гўё омборга жойлаб қўйган*.

8 Бутун ер юзи Эгамиздан қўрқсин,
Бутун олам аҳли Ундан ҳайиқсин.
9 У гапирди, айтгани мавжуд бўлди,
Амр қилди, замин яратилди.

10 Эгамиз халқларнинг режаларини пароканда
қилади,
У халқларнинг ниятларини пучга чиқаради.
11 Эгамизнинг режалари то абад собит туради,
Унинг ниятлари наслдан наслга ўтиб боради.

12 Эгамизни ўз Худоси деб билган халқ
бахтлидир!
Эгамиз, азизим деб танлаган халқ бахтлидир!

13 Эгамиз самодан боқар,
Инсон зотини У кўриб турар.
14 У тахт қурган жойидан туриб,
Ҳамма ер юзида яшовчиларни кузатар.
15 У ҳамманинг юрагини яратган,
Ҳамманинг ишларини англаган.
16 Лашкари кўплигидан шоҳ қутулмайди,
Кучи кўплигидан жангчи ғолиб бўлавермайди.
17 “Жанг отлари нажот берар” дейиш пуч
хаёлдир,
Улар қудратли кучи билан қутқара олмайди.

18 Эгамиз кўриб турар Ўзидан қўрққанларни,
Унинг содиқ севгисига умид қилганларни.
19 Эгамиз уларни ўлимдан қутқаради,
Очликдан сақлаб, тирик қолдиради.

20 Жонимиз Эгамизга мунтазирдир,
У бизнинг мададкоримиз, қалқонимиздир.
21 Биз Муқаддас Худога умид боғлаймиз,
У туфайли юрагимиз шодликка тўла.

22 Эй Эгам! Сенга ҳамон умид боғлаймиз,
Содиқ севгинг бизга ёр бўлсин.

33–САНО

1 *Довуд Абумалек олдида ўзини телбаликка солиб,
унинг ҳузуридан қувилгандан кейин* айтган
саноси.*

2 Ҳар доим Эгамни олқишлайман,
Унинг мадҳи тилимдан асло тушмайди.
3 Эгам боис жоним фахрланади,
Мазлум эшитиб, шод бўлсин.
4 Мен билан бирга олқишланг Эгамни,
Биргаликда улуғлайлик Унинг номини.

5 Эгамга юз бурдим, У жавоб берди,
Ҳамма қўрқувлардан У халос қилди.
6 Эгамиздан умид қилганларнинг юзларида нур,
Уларнинг юзлари асло шувут бўлмайди.
7 Бу бечора илтижосин Эгамиз эшитди,
Барча уқубатлардан уни қутқарди.
8 Эгамиздан қўрққанларнинг атрофида
Эгамизнинг фариштаси қароргоҳ қуриб,
Уларга нажот бахш этади.

9 Эгамизнинг мурувватини татиб кўр,
Эгамиз яхши эканлигини билиб ол.
Нақадар бахтлидир Унда паноҳ топганлар.
10 Эй тақводорлар, Эгамиздан қўрқинг.
Ундан қўрққанлар асло муҳтожлик кўрмас.
11 Ҳатто йиртқич шерлар овқатсиз,
Улар очликдан азоб чекади.
Эгамизга юз бурганлардан эса
Фаровонлик айрилмайди.

12 Келинг, эй болалар, тинглангиз мени,
Ўргатайин мен Эгамиздан қўрқишни.
13 Ҳаётдан завқланишни,
Бахтли узоқ умр кўришни истайсизми?
14 Демак, тилингизни ёмон сўзлардан тийинг,
Оғзингизни ёлғон гаплардан асранг.
15 Ёмонликдан қайтинг, яхшилик қилинг,
Тинчлик истанг, ҳа, тинчлик пайида бўлинг.

16 Эгамиз солиҳларни кузатиб туради,
Уларнинг ноласини Эгамиз эшитади.
17 Бадкирдорлардан эса юз ўгиради,
Уларнинг хотирасини ер юзидан ўчиради.
18 Тақводорлар ёлворади, Эгамиз эшитади,
Барча балолардан уларни Эгамиз қутқаради.
19 Кўнгли чўккanларга Эгамиз яқиндир,
Руҳан эзилганларни У қутқаради.

20 Солиҳларнинг қайғулари кўп бўлса,
Ҳамма қайғулардан Эгамиз халос қилар.
21 Уларнинг ўзини Эгамиз сақлайди,
Бирорта ҳам суяги синдирилмайди.
22 Фосиққа ўз ёвузлиги ўлим келтиради,
Солиҳдан нафратланган маҳкум бўлади.
23 Эгамиз Ўз қулларининг ҳаётини қутқаради,
Эгамизда паноҳ топувчилар маҳкум бўлмайди.

34–САНО

Довуд саноси.

1 Эй Эгам, менга қарши чиққанларга Ўзинг қарши
бўл.
Менга ҳужум қилганлар билан Ўзинг жанг қил.
2 Қалқону совутингни ол,
Қани, менга ёрдамга кел.
3 Мени таъқиб қилганларга қарши
Найзаю болтангни олгин.
“Сенга нажот бераман”, деб
Ўзинг менга ваъда бергин.

4 Менинг жонимга қасд қилганлар
Шармандаю шармисор бўлсин!
Менга қарши фитна қилаётганлар
Уятга қолиб, орқага қайтсин!
5 Эй Эгам, Сенинг фариштанг уларни қувсин.
Ҳа, улар худди шамолда учган сомондай бўлсин.
6 Қоронғи, сирпанчиқ бўлсин уларнинг йўли,
Эй Эгам, Сенинг фариштанг уларни қувсин.

7 Сабабсиз менга тузоқ қўйдилар,
Мени тутиб олиб ўлдирмоқ учун
Сабабсиз менга чуқур қазидилар.
8 Тўсатдан уларнинг бошига ҳалокат келсин,
Қўйган тузоғига ўзлари ўралиб қолсин,
Қазиган чуқурга ўзлари йиқилиб, битсин.

9 Шунда, эй Эгам, Сен туфайли шод бўламан,
Нажот берганинг учун қувонаман.
10 Бутун вужудим хитоб қилади:
“Сенга ўхшаши йўқ, эй Эгам,
Бечорани зўравондан қутқарасан,
Фақирни талончидан қутқарасан.”

11 Ёвуз ниятли гувоҳлар пайдо бўлади,
Билмайдиган нарсаларимни мендан сўрайди.
12 Улар яхшилигимга ёмонлик қайтаради,
Ўзимни тамом ёлғиз ҳис қиламан.
13 Улар хаста бўлганларида эса
Мен қанор кийиб, рўза тутиб, қайғу чекардим*.
Бошимни қуйи солиб, ибодат қилардим*.
14 Дўстим, биродарим, дея ташвиш тортардим,
Туққан онам учун аза тутгандай,
Қайғудан бошимни эгиб юрардим.

15 Қоқилганимда эса улар шод бўлдилар,
Менга қарши йиғилишиб келдилар,
Бехабар эканман, улар каллакесар экан,
Тўхтовсиз менга бўҳтон қилдилар.
16 Шаккоклардай аёвсиз масхара қилдилар,
Менга қараб тишларини ғижирлатдилар.

17 Эй Эгам, қачонгача қараб турасан?
Қутқаргин мени уларнинг ҳужумидан,
Халос қилгин жонимни ўша шерлардан!
18 Буюк жамоа ичра Сенга шукур айтаман,
Халқ йиғинларида Сенга ҳамдлар ўқийман.

19 Асоссиз менга душманлик қилганлар
Устимдан кулмасинлар,
Мендан сабабсиз нафрат этганлар
Кўзларини ўйнатмасинлар.

20 Тинчлик сўзини оғизга олмас улар,
Аммо юртда тинч яшаётганлар устидан
Ёлғон сўзларни ўйлаб топарлар.
21 Менга қарши шанғиллаб айтарлар улар:
“Аҳа, кўзларимиз билан кўрдик қилмишларини.”

22 Ўзинг кўргансан, эй Эгам, сукут сақлама!
Эй Раббий, мендан ҳеч узоқлашма!
23 Қани, бўл, ҳимоя қилгин мени,
Мен учун жанг қилгин, эй Худойим, Раббим!
24 Сен одилсан, эй Эгам Худо,
Шу боис мени оқлагин.
Душманларим асло устимдан кулмасин.
25 Улар ўзларига ўзлари:
“Аҳа, истаганимиз бўлди–ку!” деб айтмасин.
“Уни ютиб юбордик–ку”, демасин.

26 Кулфатларимдан завқланганларнинг ҳаммаси
Шармандаю шармисор бўлсин.
Мендан ўзларини юқори қўйганлар
Шармандалик, бадномликка ўралсин.

27 Мен ҳақ бўлиб чиқишимни истаганлар
Хурсанд бўлсин, севинч ила куйласин.
Ҳар доим айтаверсин улар:
“Қулининг саодатидан ҳузурланган
Эгамиз тобора юксалаверсин.”
28 Одиллигинг ҳақидаги сўзлару мадҳинг
Кун бўйи тилимдан тушмайди.

35–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Эгамизнинг қули Довуд саноси.*

2 Фосиқларнинг гуноҳкорлиги ҳақида
Юрагимда бир башорат бор:
Гуноҳкор инсон Худодан қўрқмайди.
3 Ўзининг наздида у осмонда юради,
Худо гуноҳимни кўрмайди,
Ҳукм қилмайди, деб айтади.
4 Оғзидан манфур, ёлғон сўзлар чиқади,
Доноликдан, яхши ишлар қилишдан у бош
тортади.
5 Ҳатто ётганда ҳам фосиқликни ўйлайди,
Гуноҳга ўзини бағишлайди,
Фосиқликдан асло юз ўгирмайди.

6 Эй Эгам, содиқ севгинг фалакларга етгайдир,
Эй Эгам, садоқатинг самоларга чўзилгайдир.
7 Одиллигинг буюк тоғларга ўхшайди,

Адолатинг тубсиз денгизга ўхшайди,
Эй Эгам, инсону жониворларни Сен сақлагайсан.

8 Содиқ севгинг, эй Худо, нақадар бебаҳодир!
Қанотларинг соясида инсонлар паноҳ топади.
9 Улар уйингдаги неъматлардан еб тўяди,
Лаззат тўла дарёингдан уларга ичирасан.
10 Ҳаётнинг булоғи Сендадир,
Зиё олармиз Сенинг нурингдан.

11 Сени билганларга содиқ севгингни кўрсат,
Юраги софларга Ўзинг нажот бергин.
12 Такаббурнинг оёғи мени эзмасин,
Фосиқнинг қўллари мени ҳайдамасин.
13 Ана, бадкирдорлар ағанаб ётибди,
Қаддини кўтара олмай, ерга қапишиб ётибди.

36–САНО

Довуд саноси.

1 Фосиқларга ғайирлик қилмагин,
Бадкирдорларга ҳасад қилмагин.
2 Улар майсадай тезда қуриб қолади,
Ям–яшил ўтдай тезда сўлиб қолади.

3 Эгамизга умид боғлаб, яхшилик қилгин,
Шу юртда яшаб, ҳаловат топгин.
4 Эгамизни ўзингнинг шодлигинг деб бил,
Кўнглингдаги орзуларингга У етказади.

5 Йўлларингни топширгин Эгамизга,
Ишон Унга, У мадад беради.
6 Солиҳлигингни У тонг каби порлатади,
Ҳақлигингни кундузги қуёш каби қилади.

7 Сабрли бўл, мунтазир бўл Эгамизга,
Ғайирлик қилмагин йўлларини топганларга,
Фосиқ ниятларин амалга оширганларга.

8 Ғазабдан ўзингни тий, қаҳрдан қайтгин,
Ич–этингни ема, бу фақатгина зарарга олиб
боради.
9 Ёвузлар йўқ қилиб ташланади,
Эгамиздан умидворлар юртга эгалик қилади.

10 Тез орада фосиқларнинг куни битади,
Сен ҳар қанча қидирмагин,
Уларни бу ердан топа олмайсан.
11 Беозорлар эса юртга эгалик қилади,
Мўл бахт–саодатдан баҳраманд бўлади.

12 Фосиқ солиҳларга қарши фитна қилади,
Уларга қарши тишларини ғижирлатади.
13 Раббий фосиқларни масхара қилади,
Уларнинг куни битаётир, буни Раббий билади.

14 Фосиқ қиличини суғуриб, камонини тортади,
Бечора, мазлумни йиқитишга шайланади,
Солиҳларни ўлдирмоқ истайди.
15 Аммо қиличлари ўзларининг бошини ейди,
Камонлари ҳам парча–парча бўлиб кетади.

16 Солиҳнинг қўлидаги оз нарса афзал,
Жамики фосиқнинг бойлигидан кўра.
17 Фосиқнинг кучи қирқилиб кетади,
Солиҳни эса Эгамиз қўллаб–қувватлайди.

18 Айбсизларнинг эҳтиёжи Эгамиз эътиборида,
Уларнинг мулки то абад давом этади.
19 Қаро кунларда ҳам улар завол топмайди,
Қаҳатчилик кунларда ҳам фаровон яшайди.
20 Фосиқлар эса албатта ҳалок бўлади,
Эгамиз ғанимлари қирдаги гуллардай қурийди,
Улар тутун каби тарқалиб, йўқ бўлиб кетади.

21 Фосиқ қарз олади–ю, қайтариб бермайди,
Солиҳ эса ҳиммат ила инъом қилади.
22 Эгамиз барака берган инсонлар юртни
эгаллайди,
Эгамиз лаънатлаган одамлар эса йўқ бўлиб
кетади.

23 Эгамиз инсоннинг йўлидан мамнун бўлса,
Унинг қадамларини собит қилади.
24 Ҳатто қоқилса ҳам йиқилиб тушмайди,
Эгамиз мадад бериб, қўлидан ушлайди.

25 Мен ҳам ёш эдим, энди кексайдим,
Солиҳларнинг тарк этилганини,
Уларнинг зурриёти нон тилаганини кўрмадим.
26 Улар доим ҳиммат ила қарз беради,
Фарзандлари ҳам барака топади.

27 Фосиқликни ташла, яхшилик қилгин,
Токи юртда то абад маскан қилгин.
28 Зотан, Эгамиз яхши кўради адолатни,
Тарк этмайди тақводорларни,
Уларни то абад ҳимоя қилади,
Фосиқлар наслини қириб ташлайди.
29 Солиҳ юртга эгалик қилади,
Бу юртда то абад истиқомат қилади.

30 Солиҳнинг оғзи доноликдан сўзлайди,
Унинг тили адолатни сўйлайди.
31 Юрагида Худосининг қонуни жой олган,
Шунинг учун қадамида адашмайди.

32 Фосиқ солиҳни доим кузатади,
Уни ўлдирмоқни мўлжаллаб юради.
33 Эгамиз солиҳни фосиқнинг ихтиёрига
топширмайди,
Ҳукмга олиб келинганда, солиҳ маҳкум
бўлмайди.

34 Эгамиздан умид қил, Унинг йўлларини тутгин,
У сени юксалтиради, бу юртни эгаллайсан,
Фосиқнинг қирилиб кетишини сен кўрасан.

35 Кўрганман фосиқ, золим одамнинг
Ўз юртида ям–яшил дарахтдай унганини.
36 Кўп ўтмай у ўтиб кетди, йўқ бўлди,
Қанча қидирсам ҳам, топа олмадим.

37 Айбсизга эътибор бер, софдилни кузат,
Тинчликпарварнинг истиқболи ёрқин.
38 Гуноҳкорларнинг ҳаммаси қирилиб битади,
Фосиқнинг келажаги барҳам топади.

39 Солиҳ киши Эгамиз туфайли нажот топгайдир,
Кулфат чоғи Эгамиз солиҳнинг қалъасидир.
40 Эгамиздан паноҳ топгани учун
Солиҳга Эгамиз мадад беради, уни қутқаради,
Фосиқдан омон сақлайди, унга нажот беради.

37–САНО

1 *Довуд саноси. Эгамиздан мадад сўраб айтган илтижоси.*

2 Эй Эгам! Ғазаб билан менга танбеҳ бермагин,
Қаҳринг сочиб, менга жазо бермагин.
3 Ўқларинг менга санчилди,
Қўлларинг устимга босиб тушди.

4 Бутун танам хастадир ғазабингдан,
Соғлигим йўқолган гуноҳларим дастидан.
5 Айбларим мени жуда ҳам эзади,
Улар жуда оғир юкка ўхшайди.

6 Ақлсизлигим* дастидан
Яраларим сасиб, йиринглаб оқяпти.
7 Жуда эгилиб, букчайиб қолдим,
Кун бўйи ғамгин юраман.
8 Ичим иситмадан оташ бўлиб ёнмоқда,

Танамда биронта соғ жой йўқ.
9 Силлам қуриб, тамом эзилдим,
Юракдаги аламдан нола қиламан.

10 Юрагим тубидаги истакларим
Эй Раббий, Ўзингга равшан,
Оҳу нолам Сендан яширин эмас.
11 Юрагим титрайди, қувватим кетди,
Кўзларимнинг нури адойи тамом бўлди.
12 Дўст–ёронларим дардим туфайли олдимдан
қочади,
Туғишганларим асло ёнимга келмайди.

13 Жонимга қасд қилганлар менга тузоқ қўяди,
Менга ёмонлик истаганлар кулфатдан сўз очади,
Кун бўйи ёлғон сўйлаб, фитна қилади.

14 Мен эса карга ўхшайман, эшитмайман,
Соқовга ўхшайман, гапира олмайман.
15 Чиндан ҳам мен соқовга ўхшайман,
Тили қотиб қолган одамдайман.

16 Эй Эгам, умидим ёлғиз Сенсан,
Эй Раббим Худо, жавоб берадиган Сенсан.
17 Эй Эгам: “Ҳолимни кўриб, душманларим
шодланмасин,
Оёқларим қоқилганда, ўзларини катта
тутмасин”, дея
Сенга ибодат қилдим.

18 Ўзим ҳам йиқилай деб турибман,
Тинмай азоб чекаётирман.
19 Қилган эгриликларим учун тавба қиламан,
Гуноҳга қўл урганимдан пушаймонман.
20 Ашаддий душманларим кўпдир,
Сабабсиз мендан нафрат этувчилар
сон–саноқсиз.
21 Улар яхшилигимга ёмонлик ила жавоб беради,
Эзгу ишларим учун мени иғво қилади.

22 Эй Эгам, мени асло тарк этмагин,
Эй Худойим, мендан узоқ кетмагин.
23 Менга ёрдам бергани шошилгин,
Эй менинг нажоткорим — Раббий!

38–САНО

1 *Ижрочилар раҳбари Ёдутунга*. Довуд саноси.*

2 Ўзимга ўзим шундай дейман:
“Юрар йўлларимни кузатиб борай,
Гуноҳ сўздан тилимни тийиб юрай,

Фосиқлар ҳамон ўраб тураркан мени,
Қулф уриб ёпиб олай оғзимни.”
3 Жим турдим, сукут сақладим,
Сўзлашдан бўйин товладим,
Ошиб бораверди дардим.
4 Қизиб кетаверди ичим,
Ўйлаганим сари ўртанди кўнглим,
Охири тилимни тия олмай ёлвордим:

5 “Эй Эгам, умрим ниҳоясини аён қилгин,
Қанча куним қолганини аён қилгин,
Умрим қанча қисқалигини билайин.
6 Елдай ўтиб кетгувчи умр бергансан,
Сенинг назарингда умрим бир лаҳзадир,
Ҳар кимнинг умри бир нафасдир.
7 Ҳар кимнинг умри соядай ўтиб кетар,
Инсоннинг ҳаракати беҳуда бўлар,
Бойлик йиғар, лекин билмас
Ким бойликка эгалик қилар.

8 Кимдан мен умид қилай энди, ё Раббий?
Сендадир менинг барча умидим.
9 Халос қилгин мени гуноҳларимдан,
Кулмасин аҳмоқлар менинг устимдан.
10 Сукут сақлайман, оғзимни очмайман,
Ахир, Сен Ўзинг мени шу аҳволга солдинг.
11 Мендан офатларингни узоқ қилгин,
Сенинг зарбаларингдан ўлай, дедим.

12 Гуноҳлари учун инсонни жазолаб,
Унга танбеҳ берасан.
Куя егандай қадрли нарсаларини йўқ қиласан.
Шубҳасиз, инсон бир нафасда ўтиб кетади.

13 Эй Эгам, ибодатимни эшитгин,
Нолаю фарёдимга қулоқ солгин.
Кўз ёшларимга бефарқ бўлмагин.
Ахир, мен Сенинг ўткинчи меҳмонингман,
Оталарим каби мусофирман.
14 Қаҳрли нигоҳингни мендан ўгиргин,
Токи яна хурсанд бўлайин
Бу оламдан ўтиб йўқ бўлмасимдан олдин.”

39–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Мен Эгамизга умид боғладим,
У менга юз бурди, фарёдимни эшитди.
3 Мени балчиқ чуқурдан,
Ботқоқликдан чиқариб олди.

Эсон–омон мени қаттиқ ерга ўтқазди,
Қадамларимни дадил қилди.
4 У оғзимга янги бир қўшиқ солди,
Бу қўшиқ Худойимизга мадҳиядир.
Кўплар Унинг ишларини кўриб, қўрқади,
Эгамизга умид боғлайди.
5 Бахтлидир Эгамизга умид боғлаганлар,
Киборларга суянмаганлар,
Бутпарастлардан ёрдам кутмаганлар.

6 Кўп мўъжизалар кўрсатдинг, эй Эгам Худо,
Бизга қаратилган кўп ниятларингни бажардинг.
Бирор зот Сенга тенг кела олмас,
Оғиз очиб, мўъжизаларинг ҳақида айтсам,
Нақадар кўплигини санай олмасдим.

7 Сен қурбонлигу назрни истамадинг,
Куйдириладиган қурбонлик ҳамда
Гуноҳ қурбонлигини* талаб қилмадинг,
Итоат қилишим учун Сен қулоқларимни очдинг*.
8 Шунда дедимки: “Мана, мен келдим.
Муқаддас битикларда мен ҳақимда ёзилган*.
9 Сенинг хоҳишингни адо этишдан завқ оламан,
Эй Худойим, Сенинг қонунинг юрагим
тўридадир.”

10 Улуғ жамоанг ичра
Нажотинг хушхабарини эълон қилганман.
Ҳа, эй Эгам, Ўзинг биласан,
Оғзимга бир нафас ҳам дам бермаганман.
11 Қутқарганингни юрагимда яширмадим,
Содиқлигинг, нажотингдан ҳар кимга сўйладим,
Севгинг, садоқатингни буюк жамоангдан сир
тутмадим.

12 Эй Эгам, мендан шафқатингни дариғ тутмагин,
Сенинг севгинг, садоқатинг мени то абад
сақласин.
13 Беҳисоб офатлар атрофимни ўради,
Гуноҳларим ўзимнинг бошимга етди,
Энди кўзларим кўра олмас,
Гуноҳларим бошимдаги сочимдан кўпдир,
Энди жасоратим тамоман сўнди.

14 Эй Эгам, илтимос, менга нажот бер,
Келгин тезда, эй Эгам, менга мадад бер.
15 Жонимга қасд қилган ҳаммалар
Шармандаю шармисор бўлсин!
Ҳалокатимни истаганлар
Уятга қолиб, орқага қайтсин!

16 “Ҳолинг қалай энди?!” деб мени
масхаралаганлар
Шарманда бўлганидан ваҳимага тушсин.

17 Сенга юз бурганларнинг ҳаммаси
Сен туфайли севинч, шодликка тўлсин.
Сенинг нажотингни севганлар:
“Эгамиз юксалаверсин”, деб доим айтсин.
18 Мен эса ғариб, бечораман,
Эй Раббий, мен ҳақимда ўйлагин,
Мададкорим, нажоткорим Ўзингсан,
Кечикмагин, эй Худойим!

40–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Бахтлидир бечорани ўйлайдиганлар,
Кулфатда қолганларида Эгамиз уларни
қутқаради.
3 Эгамиз уларни ҳимоя қилади, ҳаётини асрайди,
Улар юртдаги бахтлилардан ҳисобланади,
Эгамиз уларни душманлари ихтиёрига
топширмайди.
4 Тўшакка михланиб қолса,
Эгамиз парвариш қилади,
Хасталигига Эгамиз шифо беради.

5 Шундай илтижо қилдим Сенга:
“Эй Эгам, шафқат қил менга,
Гуноҳ қилдим Сенга, шифо бергин.”
6 Душманларим ёвуз ният ила шундай дейди:
“Қачон ўлар экан у, номи ҳам қачон ўчаркан?”
7 Улар мени кўргани келганда,
Ёлғон–яшиқ гапларни гапиради.
Юракларида эса фисқу фасод тугиб,
Ташқарига чиқади–да,
Ҳамма жойда ёйиб юради.
8 Мендан нафратланганларнинг ҳаммаси
Менга зарар беришни режа қилишади,
Бирлашиб, мен ҳақимда пичир–пичир қилишади:
9 “Оғир хасталикка чалинган у,
Тўшагидан қайтиб тура олмайди.”
10 Ҳатто нонимни еган яқин, ишонган дўстим,
Менга қарши бош кўтарган.

11 Сен эса, эй Эгам, менга раҳм қил,
Мени оёққа турғаз.
Қилмишларига яраша душманларимга қайтарай.
12 Душманларим устимдан ғолиб келмаса,
Мендан мамнун бўлганингни биламан.

13 Тўғрилигим учун мени сақлайсан,
Ҳузурингда то абад мени ўтқазасан.

14 Олқишлар бўлсин абадулабад
Исроил халқининг Худоси — Эгамизга!

Омин! Омин!

41–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Кўрах наслининг* қасидаси*.*

2 Кийик ирмоқ сувларини тусагандай,
Эй Худо, жоним Сени шундай тусайди!

3 Жоним ташна Худога, барҳаёт Худога,
Қачон бориб, Унинг ҳузурида ҳозир бўламан?
4 Туз тотмай кечаю кундуз кўз ёш тўкаман,
“Қани Худойинг?” дея масхара қилар одамлар
доим.

5 Шодлик ҳайқириқларию ҳамду санолар остида
Жамоа билан бирга Худонинг уйига борардим.
Байрам нишонлагани оломон билан борардим.
Шуларни эслаб, юрагим пора–пора бўлмоқда.
6 Нега тушкунликка тушасан, эй жоним?
Нега беҳаловат бўласан ичимда?
Худога умид боғла! Шукур этаман
Яна Унга — нажоткорим, 7 Худойимга.

Тушкунликка тушганман.
Шу боис, эй Худо, Сени Иордан диёридан,
Хермон* тизмасидан, Мизор тоғидан* туриб
эслайман.
8 Ўкираётган денгизлардай,
Гувиллаётган шаршаралардай
Сен юборган қайғу тўлқинлари
Ўтгандилар устимдан босиб.

9 Кундузи Эгам содиқ севгисини кўрсатади,
Тунлари У менга қўшиқ беради,
Менга умр берган Худога ибодат қиламан.

10 Худога, суянган Қоямга айтаман:
“Нега мени унутиб қўйдинг Сен?!
Не учун ғамга ботиб юрмоғим керак
Душманларим сиқуви сабабидан?!”
11 Душманларим ҳақоратидан суякларим
зирқирайди,
Улар муттасил мендан: “Қани Худойинг?!” дея
сўрайди.

12 Нега тушкунликка тушасан, эй жоним?
Нега беҳаловат бўласан ичимда?
Худога умид боғла! Шукур этаман
Яна Унга — нажоткорим, Худойимга.

42–САНО

1 Эй Худо, оқла мени!
Шаккок халққа қарши даъвоим бор.
Ўзинг мени ҳимоя қил.
Мени бу ёлғончи, адолатсизлардан қутқар.
2 Ахир, менинг паноҳим — Худо Сенсан,
Нега Сен тарк этдинг мени?!
Не учун ғамга ботиб юрмоғим керак
Душманларимнинг сиқуви дастидан?!

3 Йўллагин нурингни, ҳақиқатингни,
Булар менга йўл кўрсатиб турсин,
Муқаддас тоғингга* мени олиб борсин,
Сенинг маконингга мени олиб борсин.
4 Шунда бораман, эй Худо, Сенинг
қурбонгоҳингга.
Буюк шодлигимсан, севинчимсан Сен,
Лира чалиб, ҳамду сано айтаман Сенга,
Эй Худо, менинг Худойим!

5 Нега тушкунликка тушасан, эй жоним?
Нега беҳаловат бўласан ичимда?
Худога умид боғла! Шукур этаман
Яна Унга — нажоткорим, Худойимга.

43–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Кўрах наслининг* қасидаси*.*

2 Эй Худо, ўз қулоқларимиз ила эшитганмиз.
Қадимда, ота–боболаримиз даврида
Қилган ишларингни улар бизга айтган эди.
3 Ўз қўлинг ила қувдинг бегона халқларни,
Уларнинг юртига ўтқаздинг оталаримизни.
Кулфатга солдинг бегона халқларни,
Озод қилдинг Сен оталаримизни*.
4 Улар юртни қилич ила олмадилар,
Ўз қўллари билан ғалабага эришмадилар.
Улар Сенинг ўнг қўлинг, қудратинг,
Сенинг юз нуринг ила ғолиб бўлдилар.
Зеро, Сен улардан мамнун бўлгандинг.

5 Сен Шоҳимсан, Худойимсан,
Амр бер, Ёқуб насли ғолиб бўлсин.

6 Сен туфайли душманларимизни йиқитамиз,
Номинг ила ғанимларимизни эзамиз.
7 Ишониб қолмасман мен ўз ёйимга,
Қиличим ғалаба келтирмас менга.
8 Ғанимларимиз устидан бизни ғолиб қилдинг,
Биздан нафратланганларни шарманда қилдинг.
9 Эй Худо, кун бўйи Сен туфайли мақтандик,
То абад Сенга шукроналар айтамиз.

10 Энди эса бизни рад қилиб, шарманда қилдинг,
Лашкарларимизни бошлаб бормаяпсан.
11 Бизни душманларимиз олдида чекинтирдинг,
Ғанимларимиз бизни талон–тарож қилди.
12 Бизни қўйлар каби емишга бердинг,
Халқлар орасига бизни ёйиб юбординг.
13 Халқингни қора чақага сотиб юбординг,
Уларни сотишдан ҳеч наф кўрмадинг.

14 Қўшни халқлар бизни масхара қилади,
Сен йўл қўйиб бердинг.
Атрофимиздагилар бизни ҳақоратлайди,
Кулишларига имкон бердинг.
15 Халқлар орасида кулги қилдинг бизни,
Халқлар бизни масхаралаб, чайқайди бошини.
16 Ҳар доим хижолат бўлиб юраман,
Шармандалик юзимни қоплаган.
17 Эшитганимиз масхараю ҳақорат!
Кўрганимиз қасоскор душман!

18 Гарчи Сени унутмаган бўлсак–да,
Гарчи аҳдингга хиёнат қилмасак–да,
Бу кўргиликлар бошимизга тушди.
19 Биз Сени ҳеч қачон тарк этмадик,
Сенинг йўлларингдан ҳеч қачон тоймадик.
20 Аммо чиябўрилар маконига бизни ташладинг,
Зимзиё зулматга бизни улоқтирдинг.

21 Эй Худойимиз, ахир, Сенинг номингни унутсак,
Қўлларимизни бегона худоларга очсак,
22 Эй Худо, Сен буни билмасмидинг?!
Ахир, Сен юракдаги сирларни биласан–ку!
23 Сен туфайли ҳар куни ўлимга дуч келамиз,
Бўғизланадиган қўйдай бўлиб қолганмиз.

24 Турсанг–чи, нега ухлаётгандайсан, ё Раббий?!
Қани, бўл, бизни то абад рад этмагин.
25 Нега биздан юз ўгирасан?!
Бошимизга тушган кулфату зулмни унутасан?!
26 Биз ағнатилганмиз тупроққа,
Танамиз ёпишиб қолгандир ерга.

27 Қани, кел, бизга мадад бер,
Содиқ севгинг ҳақи бизни қутқар.

44–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. “Нилуфар” куйига айтиладиган тўй қўшиғи. Кўрах наслининг* қасидаси*.*

2 Шоҳимга шеърларимни бағишлайман,
Юрагимдан гўзал сўзлар тўкилади,
Тилим моҳир котиб қаламига ўхшайди.

3 Эй шоҳим! Инсонлар орасида жуда чиройлисан.
Худо сенга то абад барака бергани учун
Лабларингдан латиф сўзлар ёғилади.
4 Эй қудратли шоҳ, белингга боғла қиличингни,
Ҳашамату улуғворлигинг билан зоҳир бўлгин.

5 Улуғворлик билан олға бос!
Ҳақиқат, камтарлик, адолат учун ғалаба қил!
Ўнг қўлинг қўрқинчли ишлар кўрсатсин.
6 Ғанимларингнинг юрагини
Ўткир ўқларинг тешиб ўтади.
Халқлар оёғинг остига йиқилади.

7 Худо берган тахтинг* абадийдир,
Адолат ҳассаси шоҳлигинг ҳассасидир.
8 Сен солиҳликни севасан, қабиҳликдан
нафратланасан.
Шу боис Худо сени дўстларингдан устун қилди,
Ҳа, Худойинг шодлик мойини сенга суртди.
9 Либосингдан мирра*, алоэ ва долчиннинг
Хушбўй ҳидлари уфурар.
Фил суяги билан безатилган саройларда
Чолғу наволари сени шод қилар.
10 Шоҳ қизлари иззатли хонимларинг
орасидадир,
Офир* олтинига безанган малика ўнг қўлингда
ўтирар.

11 Тингла, эй қиз, қулоқ солиб, ўйлагин,
Халқинг, отанг хонадонин унутгин.
12 Жамолингга шоҳ мафтун бўлгандир,
Таъзим қил унга, у хўжайинингдир.
13 Тир* халқи ҳадялар олиб келади,
Бойлар сендан марҳамат истайди.
14 Саройда малика нақадар гўзал!
Либослари олтин билан безатилган.
15 Нақшли либосида уни шоҳ ҳузурига олиб
келишади,

Ортидан қизлар, унинг дугоналари эргашиб
келади.
16 Улар шод–хуррамлик ичра келади,
Шоҳнинг саройига улар кириб келади.

17 Эй шоҳим, ўғилларинг олгайлар оталаринг
ўрнини,
Бутун юртда шаҳзодалар қилгайсан сен уларни.
18 Қўшиғим туфайли номинг насллар оша яшар,
Шу боис халқлар сени то абад мадҳ этарлар.

45–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. “Қизлар” куйига
айтиладиган Кўрах наслининг* қўшиғи.*

2 Худо бизнинг паноҳимиз, қудратимиздир,
Кулфатда қолганимизда доим мададкоримиздир.
3 Шу боис биз қўрқмаймиз ҳеч ҳам
Ер остин–устин бўлиб кетса ҳам,
Денгиз бағрига тоғлар қулаб тушса ҳам.
4 Денгизлар ўкириб, тошиб кетса ҳам,
Шиддатли тўлқинлар тоғларни титратса ҳам
Биз қўрқмаймиз ҳеч ҳам.

5 Бир дарё бор, унинг сувлари
Шодлик олиб келар Худо шаҳрига*,
Худойи Таолонинг муқаддас маконига.
6 Шаҳарда Худо тургани учун
Шаҳар қуламас асло,
Тонг отганда, Худо ёрдамга келади.
7 Халқлар алғов–далғов бўлади,
Шоҳликлар қулайди.
Худонинг овози гулдирайди, ер эриб кетади.

8 Сарвари Олам биз биландир,
Ёқубнинг Худоси қалъамиздир.

9 Келинг, Эгамизнинг ишларини кўринг,
Ер юзига келтирган кулфатни кўринг.
10 Бутун оламда У жангни тўхтатади,
Ёйни парчалайди, найзани синдиради,
Қалқонларни* оловда ёқиб, шундай дейди:
11 “Тўхтанг, билинг, Мен Худоман,
Халқлар орасида Мен юксалгайман,
Ер юзида Мен юксалгайман.”

12 Сарвари Олам биз биландир,
Ёқубнинг Худоси қалъамиздир.

46–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Кўрах наслининг* саноси.*

2 Эй халқлар! Ҳаммангиз қарсак чалинг,
Севинч ҳайқириқлари ила Худони куйланг!
3 Қўрқинчлидир Худойи Таоло — Эгамиз,
Бутун ер юзида Удир улуғ Шоҳимиз.

4 Халқларни У бизга итоат эттирди,
Элатларни оёғимиз остига ташлади.
5 Ўзи суйган Ёқубнинг фахрли мулкини
Эгамиз биз учун юрт қилиб танлади.

6 Шодлик ҳайқириқлари остида Худо тахтга
чиқди,
Карнай садоси остида Эгамиз тахтига ўтирди.
7 Ҳамду сано куйланг Худога, мадҳлар куйланг!
Ҳа, Шоҳимизга мадҳлар куйланг! Ҳамду сано
куйланг!
8 Бутун ер юзининг шоҳидир Худо,
Унга ажойиб ҳамду сано куйланг!

9 Жамики улусларнинг шоҳидир Худо,
Муқаддас тахтида ўтирибди Худо!
10 Иброҳим Худосининг халқи билан бирга
Тўпланарлар халқларнинг ҳукмдорлари.
Заминнинг шоҳлари* — Худоники,
Ғоят баланд юксалгандир У.

47–САНО

1 *Кўрах наслининг* саноси. Қўшиқ.*

2 Эгамиз буюкдир!
Эгамиз Ўз шаҳрида,
Ҳа, Ўзининг муқаддас тоғида*
Мадҳияларга лойиқдир!
3 Худонинг муқаддас тоғи юксак ва гўзалдир,
Бутун ер юзига шодлик олиб келадир!
Буюк Шоҳнинг шаҳридаги,
Унинг шимолидаги* Сион тоғи!*
4 Худо Қуддуснинг қўрғони ичида туради,
Унинг қалъаси бўлиб, Ўзини намоён этган.

5 Шоҳлар тўпландилар,
Биргалашиб Сион тоғига қарши юрдилар.
6 Уни кўрдилар–у, шошиб қолдилар,
Ваҳимага тушиб, қочиб қолдилар.
7 Туғаётган хотин тортгандай дард
Ўша ерда уларни титроқ босди.
8 Шарқдан шамол эсиб,

Таршиш* кемаларини парчалагандай,
Сен уларни қириб ташладинг.

9 Худо нима қилганини биз эшитдик.
Нима эшитган бўлсак, энди ўшани
Худойимиз, Сарвари Оламнинг шаҳрида кўрдик.
Бу шаҳарни Худо то абад сақлар.

10 Эй Худо, Маъбадинг ичида
Содиқ севгинг ҳақида ўйлаймиз.
11 Эй Худо, мадҳинг ҳам донғинг каби,
Ернинг тўрт томонига ёйилган,
Ўнг қўлинг адолат ила тўлиб–тошган.
12 Сенинг ҳукмларингдан
Сион тоғи шод бўлсин,
Яҳудо шаҳарлари севинсин!

13 Эй Исроил халқи,
Қуддус* теварагида юринг.
Атрофида айланиб,
Унинг минораларини санаб чиқинг.
14 Сионнинг истеҳкомларига эътибор беринг,
Унинг қўрғонларига қаранг!
Буларни кўриб, келгуси авлодларга ҳикоя
қилинг:
15 “Худо ўша истеҳкомларга ўхшайди.
У то абад бизнинг Худойимиздир,
У то абад бизнинг йўлбошчимиз бўлади.”

48–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Кўрах наслининг* саноси.*

2 Эшитинглар, эй халқлар,
Қулоқ солинг, олам аҳли,
3 Эй инсонлар, жамики одамзод,
Бойлару фақирлар, қулоқ солингиз!
4 Оғзимдан тўкилади доно сўзлар,
Қалбимнинг мулоҳазалари ҳам идроклидир.
5 Қулоғимни ҳикматга бураман,
Маъносини лира билан англатаман.

6 Нега қўрқишим керак қаро кунларда?!
Нега қўрқишим керак таъқиб қилувчилар
Қабиҳ ишлари билан мени ўраб олганларида?!
7 Улар мол–мулкига ишонадилар,
Беҳисоб бойликлари ила мақтанадилар.
8 Ахир, ҳеч ким ҳаётини* пул тўлаб қутқара
олмас,
Ёки унинг учун Худога тўлов беролмас.
9 Инсон ҳаёти учун тўлов ғоят қимматдир,

Ҳеч қандай тўлов етарли бўлмас.
10 Йўқса инсон то абад яшарди,
Қабр юзини асло кўрмасди.

11 Донони қаранг, улар ҳам ўлади,
Аҳмоқ, бемаъни бирдай ҳалок бўлади,
Уларнинг бойлиги бошқаларга қолади.
12 Юртларга ўзларининг номини берганда ҳам,
Мозор то абад уйи бўлиб қолади,
Маскани наслдан наслга ўтаверади*.
13 Бойлигига қарамай инсон то абад қолмас,
Ўладиган жонзотга ўхшайди улар.

14 Ўзларига ишонганларнинг қисмати шудир,
Уларнинг сўзини маъқуллаганларнинг тақдири
шудир:
15 Улар қўйлар каби ўликлар диёрига
ҳайдаладилар,
Ўлим уларнинг чўпони бўлади,
Тонгда тўғри инсонлар уларнинг устидан
ҳукмрон бўлади,
Таналари чириб кетади,
Ўликлар диёри* уларнинг қасри бўлади.
16 Ўликлар диёри ҳукмидан Худо мени қутқаради,
Шубҳасиз, У мени Ўз ёнига олади.

17 Бирортаси бойиб кетганда,
Уйининг ҳашамати ошиб кетганда,
Ваҳимага тушма!
18 Оламдан ўтганда, у ўзи билан ҳеч нарса олиб
кетмайди,
Бойлиги ҳам унинг ортидан қабрга эргашиб
бормайди.
19 Ҳаётлигида ўзини бахтиёр ҳисоблайди,
Ошиб–тошиб яшагани учун
Кўплар унга ҳамду сано айтади.
20 У ҳам ота–боболари ёнига кетади,
Улар каби ёруғликни бошқа кўрмайди.
21 Бойлиги бўла туриб ақлсиз бўлганлар
Ўладиган жонзотга ўхшайдилар.

49–САНО

Осиф саноси.*

1 Худолар Худоси — Эгамиз
Сўйлар, даъват қилар ер юзига
Шарқдан ғарбга қадар.
2 Худо Ўз нурини сочар Қуддусдан* —
Гўзалликда комил шаҳардан.

3 Худойимиз келар, сукут сақламас,
Унинг олдида аланга ямлаб юборар,
Атрофида бўрон ғазабдан қутурар.
4 Ўз халқини ҳукм этмоқ учун
Еру осмонни гувоҳ қилиб чақирар:
5 “Йиғиб келинг Менинг тақводор халқимни,
Қурбонлик орқали Мен билан аҳд қилганларни!”
6 Самолар эълон қилар Худонинг одиллигини,
Ҳакам Худонинг Ўзидир.

7 Худо айтар: “Эшит, эй халқим, Мен сўзлайман,
Эй Исроил, сенга қарши гувоҳлик бераман,
Мен Худоман, сенинг Худойингман.
8 Келтирган қурбонликларинг доимо олдимда.
Куйдирилган қурбонликларингдан шикоят
қилмайман.
9 Оғилингдаги буқангга муҳтож эмасман,
Сурувингдаги эчкингга ҳам зор эмасман.
10 Меникидир ўрмондаги жамики ҳайвон,
Минглаб қирлардаги молу қўйлар.
11 Меникидир жамики тоғдаги қушлар,
Меникидир даладаги барча жониворлар.
12 Оч қолсам ҳам, сендан овқат сўрамасдим.
Ахир, Меникидир олам, ундаги ҳамма нарса.
13 Мен буқа гўштини ейманми?!
Ёки эчки қонини ичаманми?!
14 Мен, Худога шукрона қурбонлигини қил,
Мен, Худойи Таолога онтингни адо қил.
15 Оғир кунда Менга илтижо қилгин,
Сенга нажот бераман,
Сен эса Менга мақтов айтасан.”

16 Фосиққа эса Худо шундай дейди:
“Не ҳақинг бор қонунларимни тилга олмоққа?!
Не ҳақинг бор аҳдимни оғзингга олмоққа?!
17 Нафрат ила қарайсан–ку йўл–йўриқларимга,
Отиб ташлайсан–ку каломларимни орқангга!
18 Ўғрини кўрганингда, дўстлашасан у билан,
Шерик бўлиб оласан зинокорлар билан.
19 Оғзинг ёмон сўзлар учун доим тайёрдир,
Тилингнинг тўқигани фақат ёлғондир.
20 Ўтириб, биродарингга қарши сўйлайсан,
Туғишганингга ҳам туҳмат қиласан.
21 Шу ишларни қилганингда, сукут сақладим,
Мени ҳам ўзингга ўхшаган, деб ўйладинг.
Энди–чи, айбингни бўйнингга қўйиб,
Сени ҳукм қиламан.
22 Эй Мени унутганлар, билиб қўйинг,
Йўқса сизларни парча–парча қиламан,
Бironта нажот бергувчи топилмайди.

23 Менга шукрона қурбонлиги келтирганлар
Мени иззат қилган бўлади.
Мен Ўз нажотимни
Тўғри йўлдан юрганларга кўрсатаман.”

50–САНО

1-2 *Ижрочилар раҳбарига. Натан пайғамбар келиб, Довуднинг Ботшева билан қилган гуноҳини фош этгандан кейин*, Довуднинг айтган саноси.*

3 Раҳм қилгин менга, эй Худо,
Содиқ севгинг, чексиз шафқатинг ила
Итоатсизлигимни олиб ташлагин.
4 Ювиб ташла барча айбларимни,
Поклагин гуноҳларимдан.
5 Ҳа, ўзимнинг итоатсизлигимни биламан,
Гуноҳим турар кўз ўнгимда мудом.
6 Сенга, ёлғиз Сенга қарши гуноҳ қилганман,
Сенинг олдингда қабиҳликларга қўл урганман,
Шу боис ҳукм қилганингда Сен барҳақсан,
Айбимни фош этганингда доимо тўғри бўлиб
чиқасан.

7 Мана, гуноҳкор бўлиб туғилганман,
Онам қорнидаёқ гуноҳкор эдим.
8 Бироқ Сен самимий, пок қалбни истайсан,
Асл доноликни Ўзинг менга ўргатгин*.
9 Покла мени иссоп ўти* ила, тоза бўлайин,
Ювгин мени, қордан ҳам оқ бўлайин.
10 Яна эшитай шодлик, қувонч хабарин,
Сен эзган суякларим яна қувонсин.
11 Гуноҳларимдан четга ол кўзларингни,
Олиб ташла айбларимни.

12 Эй Худо, менда тоза юрак яратгин,
Содиқ қалбни менга яна бир бор бергин.
13 Ҳузурингдан мени улоқтириб ташлама,
Муқаддас Руҳингни мендан олма.
14 Нажотинг шодлигини менга қайтаргин,
Итоат этишга менда истак уйғотгин.

15 Шунда итоатсизларга Сенинг йўлларингни
ўргатаман,
Гуноҳкорлар қайтиб келадилар Сенга.
16 Қон тўкканим учун кечир мени, эй Худо,
Нажот берганингни севинч ила куйлар тилим,
Эй нажоткорим Худо!

17 Лабларимни очгин, эй Раббий,
Оғзим Сени мадҳ айласин.

18 Қурбонликни Сен хоҳламайсан,
Қурбонлик куйдирганимда ҳам
Сен хуш кўрмаган бўлардинг.
19 Сенга маъқул қурбонлигим эзилган руҳдир,
Эзилган, тавба қилган юракни
Сен рад этмайсан, эй Худо.

20 Лутфу караминг билан Қуддусни яшнатгин,
Сион шаҳри деворларини қайтадан қургин.
21 Шунда муносиб қурбонликлар келтирилади,
Куйдириладиган қурбонликлар Сени мамнун
қилади,
Қурбонгоҳингда буқалар назр қилинади.

51–САНО

1-2 *Ижрочилар раҳбарига. Эдомлик Доег Шоулнинг олдига бориб: “Довуд Охималекнинг уйида”, деб хабар бергандан кейин*, Довуднинг айтган қасидаси*.*

3 Нечун мақтанасан ёвузлигинг ила, эй зўравон?!
Худонинг содиқлиги доим мен билан, ахир!
4 Бало келтираман, дея режа қиласан,
Ўткир устарага ўхшайди тилинг.
Алдашга сен моҳирсан.
5 Эзгуликдан кўра, ёвузликни ёқтирасан,
Ҳақиқатни сўйлашдан кўра, ёлғонни афзал
биласан.
6 Ҳалок қиладиган сўзларни яхши кўрасан,
Ёлғончи тилни севасан.

7 Худо эса сени то абад ҳалок қилади,
Сени ушлаб, чодирингдан тортиб чиқаради,
Тириклар юртидан йўқ қилиб ташлайди.

8 Солиҳлар буни кўриб, қўрқади,
Фосиқнинг устидан кулади:
9 “Қаранг, ўша одам Худони паноҳим деб
билмади,
Мўл–кўл бойлигига умид боғлади,
Бошқаларни қириш туфайли кучайди.”

10 Мен–чи, ўхшайман Худонинг уйидаги
Кўм–кўк зайтун дарахтига.
Худонинг содиқ севгисига
Мен то абад умидимни боғлайман.

11 Эй Худо, Сенинг ҳамма қилганларинг учун
Сенга то абад шукур айтаман.
Тақводорларингнинг ҳузурида

Сенга умид боғлайман,
Ахир, Ўзинг яхшисан!

52–САНО

[1] *Ижрочилар раҳбарига. “Қайғу–алам” куйига айтиладиган Довуд қасидаси*.*

[2] Аҳмоқлар* ўз кўнглида: “Худо йўқ”, дейдилар.
Улар ярамаслардир, қилмиши жирканч
ишлардир,
Яхшилик қилувчи бирон зот йўқдир.

[3] “Идрокли бирон зот бормикан?
Бормикан Менга юз бурган?” дея
Инсонга Худо самодан боқар.
[4] Ҳаммаси йўлдан озган, бирдай бузилган,
Яхшилик қилувчи бир кимса йўқдир,
Ҳатто биронта ҳам йўқ!

[5] Улар идроксиз, бадкирдор,
Халқимни бир луқма нондай еб юборади,
Ҳеч қачон Худога сажда қилмайди.
[6] Ана, босаётир уларни қаттиқ ваҳима,
Бунақасини илгари кўрмаган улар.
Худо сочиб ташлар ғанимларингнинг
суякларини.
Ахир, Худо рад этган уларни!
Шу боис, эй Исроил, сен уларни шарманда
қилгансан.

[7] Эҳ, Қуддусдан* Исроилга нажот келсайди!
Худо Ўз халқини яна фаровонликка
эриштирсайди,
Шунда Ёқуб насли шод бўлгай, Исроил севингай!

53–САНО

[1-2] *Ижрочилар раҳбарига. Зифликлар Шоулнинг олдига бориб: “Довуд халқимиз орасида яшириниб юрибди”, деб хабар берганларидан кейин*, Довуднинг айтган қасидаси*. Торли асбоблар жўрлигида айтилади.*

[3] Эй Худо! Буюк қудратинг ила мени қутқаргин!
Куч–қувватинг ила менга адолатли ҳукм
чиқаргин!
[4] Эй Худо, эшитгин илтижоимни,
Тинглагин айтганларимни!
[5] Бегоналар қарши қўзғалди менга,
Зўравонлар қасд қилмоқчи жонимга,
Улар Сени писанд қилмайдилар.

6 Эй Худо, менга мадад берасан,
Эй Раббий, менинг жонимни асрайсан.
7 Душманларимнинг қабиҳликлари ўз бошига
келсин,
Сен содиқсан, уларни қириб ташлагин!

8 Шод бўлиб, Сенга қурбонлик келтираман,
Ўзинг яхшисан, эй Эгам, Сенга шукур айтаман!
9 Сақладинг ҳар қандай кулфатдан мени,
Кўзларим кўрди душманларим мағлубиятини.

54–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Торли асбоблар*
жўрлигида айтиладиган Довуд қасидаси.*

2 Ибодатимга қулоқ сол, эй Худо,
Илтижоимни эътиборсиз қолдирма.
3-4 Эшит мени, жавоб бер,
Душманларим дағдағаси, фосиқларнинг сиқуви
Бошимга ғам–кулфат келтиради.
Улар ғазабланиб, мендан нафратланади.
Эҳ, ўйларим қийнайди мени,
Ғам–ташвишлар қаттиқ эзади.

5 Юрагим ҳасратга тўладир,
Ўлим ваҳимаси мени босиб келадир.
6 Қўрқув, титроқ менга келмоқда,
Даҳшат мени эзиб бормоқда.
7 “Қанийди каптар каби, қанотим бўлса”, дедим,
“Учиб кетиб, ором олган бўлардим.
8 Ҳақиқатан, узоқларга учиб қутулардим,
Саҳрода макон қилган бўлардим.
9 Қутурган шамолу бўрондан қочиб,
Ўзимга бошпана топгани шошилган бўлардим.”

10 Эй Раббий, душманларимни чалғит,
Уларнинг гапларини чалкаштир.
Шаҳарда зўравонлик, жанжални кўриб турибман.
11 Фосиқлар кеча–кундуз шаҳар девори устида
изғийди,
Ёвузлик, ваҳима шаҳар ичида юз бермоқда.
12 Шаҳарнинг ўртасида бузғунчилик,
Кўчаларидан зулм ва ҳийла аримайди.

13 Ғанимларим мени ҳақорат қилганда эди,
Бунга бардошим етган бўларди.
Душманим ўзини мендан юқори қўйганда эди,
Ундан яширинган бўлардим.
14 Аммо у менинг тенгим–ку,

Яқин дўстим ҳамда ҳамроҳим–ку.
15 У билан дилкаш дўст эдик,
Эй Худо, Сенинг уйингдаги йиғинда бирга
юрардик.
16 Уйлари, юраклари фосиқликка тўла бўлгани
учун
Ғанимларим ўлимга рўбарў бўлсин,
Тириклайин ўликлар диёрига* тушсин.

17 Мен илтижо қиламан Худога,
Нажот беради Эгам менга.
18 Оқшом, саҳар ҳамда кундуз
Дарду фиғонларимни айтаман.
Эгам менинг овозимни эшитади.
19 Гарчи менга қаршилар кўп бўлса ҳам,
Бирорта ҳам зарар етказмай
Мени жанглардан қутқаради.
20 Азалдан тахтда ўтирган Худо
Менга қулоқ тутиб,
Душманларимни мағлуб қилади.
Ахир, улар ўз йўлидан қайтмадилар,
Худодан улар қўрқмадилар.

21 Ҳамроҳим ўз дўстига қарши қўлини кўтарди,
Мен билан қилган аҳдига у хиёнат қилди.
22 Унинг оғзидан бол томади,
Юраги эса адоватга тўла.
Сўзлари мойдан ҳам ёқимли,
Аслида қиндан чиққан қиличдайдир.

23 Ташвишларингни Эгамизга топширгин,
У сенга таянч бўлади.
Эгамиз ҳеч қачон солиҳнинг йиқилишига йўл
қўймайди.

24 Эй Худо, фосиқларни Сен
Ўликлар диёрига улоқтирасан.
Қонхўр, хоин кимсалар асло
Умрининг ярмисини ҳам яшамайди.
Мен эса Сенга умид боғлайман.

55–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Филист халқи Довудни Гат шаҳрида тутиб олгандан кейин*, унинг айтган қўшиғи. “Узоқдаги жим кабутар” куйига айтилади.*

2 Шафқат қил менга, эй Худо,
Одамлар мени таъқиб қилмоқда,
Ғанимларим кун бўйи мени эзмоқда.

3 Бўҳтончилар кун бўйи мени таъқиб қилади,
Кўплари менга ҳужум қилади, эй Худойи Таоло!
4 Қўрққанимда Сенга умид боғлайман.
5 Эй Худо, каломингни мадҳ этаман,
Сендан умид қиламан, қўрқмайман,
Банданг менга не қила олади?!

6 Ғанимларим ҳар доим гапимни бузиб
кўрсатади,
Менга зарар етказмоқ учун фитналар қилади.
7 Ёвуз ниятда ортимдан писиб келади,
Ҳар бир қадамимни ўлчаб юради,
Улар ҳаётимга чек қўйишни истайди.
8 Жиноятлари учун уларни улоқтир*,
Эй Худо, ғазабинг ила уларни ерга ур!

9 Сен қайғуларимни ҳисобга олгансан,
Кўз ёшларимни идишингга солиб йиғиб қўйгин.
Ахир, уларнинг ҳар бири китобингда ёзилган–ку!
10 Сенга илтижо қилган куним
Душманларим ортга чекинади.
Ҳа, биламан, Сен мен томонда.
11 Эй Худо, каломингни мадҳ этаман,
Ҳа, Эгам, Сенинг каломингни мен мадҳ этаман.
12 Сендан умид қиламан, қўрқмайман,
Банданг менга не қила олади?!

13 Эй Худо, Сенга берган онтимни бажармоғим
шарт,
Шукрона назрларимни Сенга атайман.
14 Жонимни ўлимдан қутқариб қолдинг,
Оёғимни қоқилишдан сақладинг.
Шу боис, эй Худо, Сенинг олдингда,
Ҳаёт нурида юраман.

56–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуднинг Шоулдан қочиб юрган пайтда ғорда яшириниб қутулганидан кейин* айтган қўшиғи. “Хароб этма” куйига айтилади.*

2 Эй Худо, раҳм қилгин менга, раҳм қил,
Менинг жоним Сенда паноҳ топади.
Ҳалокатли офатлар ўтиб кетгунча
Мен қанотларинг соясида паноҳ топаман.

3 Ёлвораман Худойи Таолога,
Мен учун қасос олувчи Худога*.
4 Самодан нажот юбориб, У мени қутқаради,
Мени топтайдиганларни шарманда қилади.

Худо Ўз севгию садоқатини юборади.

5 Мен одамхўр шерлар* орасида ётгандайман.
Уларнинг тишлари найзаю ўқ кабидир,
Уларнинг тиллари кескир қиличдайдир.

6 Эй Худо, фалакдан ҳам юқорида юксалавер!
Шуҳратинг бутун замин узра ёйилсин.

7 Душманларим оёқларимга тузоқ қўйган,
Қайғу–кулфатдан руҳим чўккан.
Улар сўқмоқларимда чуқур қазиди,
Ўзлари қазиган чуқурга ўзлари қулади.

8 Эй Худо, юрагим Сенга содиқ,
Ҳа, юрагим Сенга содиқдир!
Сени куйлаб, қўшиқ айтаман.
9 Уйғонгин, эй жоним!
Уйғон, эй арфа, лира!
Тонгни ҳам мен уйғотаман!
10 Эй Раббий, халқлар орасида Сенга шукрона
айтаман,
Эллар орасида Сенга ҳамду сано куйлайман.
11 Содиқ севгинг самолардай юксакдир,
Садоқатинг булутларга чўзилгандир.

12 Эй Худо, фалакдан ҳам юқорида юксалавер!
Шуҳратинг бутун замин узра ёйилсин.

57–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. “Хароб этма” куйига айтиладиган Довуд қўшиғи.*

2 Эй ҳукмдорлар! Наҳот сиз адолатли қарор
чиқарасиз?!
Наҳот сизлар тўғрилик ила халқларни ҳукм
қиласиз?!
3 Йўқ, ахир, юракларингиз адолатсизликка
тўла–ку!
Ер юзида қўлларингиз зўравонликни
тақсимлайди–ку!
4 Фосиқлар онасининг қорнидаёқ адашади,
Ёлғончилар туғилишданоқ йўлдан озади.
5 Уларнинг заҳри илоннинг заҳрига ўхшайди.
Кар илондай қулоқ солишни улар истамайди.
6 Илон ўйнатувчининг куйини улар эшитмайди,
Унинг маҳорат билан чалган куйига бепарво.

7 Синдир уларнинг тишларини, эй Худо,
Суғуриб ол шерларнинг қозиқ тишларини, эй
Эгам!

8 Улар оқар сувдай йўқ бўлиб кетсин,
Уларнинг ўқлари нишонга тегмайдиган бўлсин.
9 Балчиққа ботиб кетган шиллиқ қуртдай бўлсин,
Онаси қорнидан ўлик туғилиб,
Ҳеч қачон қуёш кўрмаган чақалоқдай бўлсин.
10 Ёнаётган тикан қозонни тез қиздиргандай
Фосиқни шунчалик тез супуриб йўқ қилгин.

11 Фосиқдан ўч олинганда, солиҳ севинади,
Уларнинг қонида солиҳ оёқларини ювади.
12 Одамлар айтар: “Шубҳасиз, солиҳга мукофот
бордир,
Ер юзида ҳукм қилувчи Худо албатта бордир.”

58–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Шоул Довудни ўлдириш учун унинг уйини кузатишга киши юборгандан кейин*, Довуднинг айтган қўшиғи. “Хароб этма” куйига айтилади.*

2 Ғанимларимдан мени қутқар, эй Худойим,
Менга қарши турганлардан ҳимоя қил мени.
3 Бадкирдорлардан қутқаргин мени,
Қонхўрлардан сақлагин мени.

4 Қара, улар мени пойлаб ётарлар,
Золимлар менга қарши фитна қиларлар,
Гарчи айбу гуноҳим бўлмаса–да, эй Эгам,
5 Гарчи мен ҳақсизлик қилмасам–да,
Улар менга қарши ҳужум қилмоққа тайёр.
Қўзғал Ўзинг, аҳволимни кўр, кел ёрдамга.
6 Эй Исроил халқининг Худоси,
Эй Парвардигори Олам — Эгам,
Қани, бўл, барча халқларни жазолагин,
Ёвуз сотқинларга шафқат қилмагин.

7 Ғанимларим ҳар куни оқшомда қайтиб келади,
Итлардай увиллаб, шаҳар изғийди.
8 Қара, оғизларидан қусуқ чиқади,
Тилларидан заҳар сўзлар чиқади,
“Ким ҳам бизни эшитарди”, дея ўйлайди.

9 Улар устидан Сен куласан, эй Эгам,
Ҳамма халқларни Сен масхаралайсан.
10 Сенга интизорман, эй Қудратим,
Сен менинг қалъамсан, эй Худо!
11 Содиқ севгинг ила, эй Худойим, менга мадад
берасан,
Кўзларимга душманларим мағлубиятини
кўрсатасан.

12 Уларни ўлдирма, халқим бу сабоқни унутиб
қўяр,
Қудратинг билан уларни титрат,
Эй қалқоним Раббий, уларни кўтариб ур.
13 Уларнинг оғзидан чиққан гуноҳлар учун,
Лабларидан чиққан сўзлар учун
Ўзларининг такаббурлиги орқали илинсин.
Улар айтадиган лаънат, ёлғон учун
14 Ғазабинг ила уларни йўқ қилгин,
Битта ҳам қолдирмай қириб ташлагин.
Шунда эй Худо, Ёқуб насли устидан ҳукмрон
эканлигинг
Ернинг тўрт томонида маълум бўлади.

15 Ғанимларим ҳар куни оқшомда қайтиб келади,
Итлардай увиллаб, шаҳар изғийди.
16 Овқат излаб, дайдиб юради,
Агар тўймасалар, ириллайди.

17 Мен эса Сенинг қудратингни тараннум этаман,
Содиқ севгингни тонгда севинч ила куйлайман.
Сен менинг қалъам бўлгансан,
Кулфатда қолганимда паноҳимсан.
18 Эй Қудратим, Сени куйлаб мадҳ қиламан,
Сен, эй Худо, менинг қалъамсан,
Содиқ севгисини кўрсатувчи Худосан.

59–САНО

1-2 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд Орам–Нахрайим* ва Орам–Зўво* халқи билан уруш қилаётган пайтда* Йўаб қайтиб келиб, ўн икки минг Эдомликни Туз водийсида* ўлдиргандан кейин, Довуднинг айтган қўшиғи. “Нилуфар гул шаҳодати” куйига айтилади. Таълим учун.*

3 Эй Худо, бизни тарк этдинг,
Мудофаамизни ёриб ўтдинг,
Биздан ғазабландинг,
Энди бизни олдинги ҳолимизга қайтаргин!
4 Ерни силкитдинг, ёриқлар очдинг,
Ёриқларни тузатгин, ер тебранмоқда.
5 Халқингга кўп азоблар бердинг,
Гандираклаб юрсин деб, ичгани шароб* бердинг.

6 Улар камон ўқларидан яшириниб олсин дея*,
Ўзингдан қўрққанларга ишора бериб, байроқ
кўрсатасан.
7 Ўнг қўлинг ила ғалаба ато қилгин,
Илтижоимизга жавоб бергин*,

Суюкли бандаларинг нажот топсин.

8 Эй Худо, Ўз муқаддас маконингдан ваъда
бергансан*:
“Шодланиб, Шакамни* бўлиб ташлайман,
Сухот водийсини* тақсимлаб бераман.
9 Гилад Меникидир, Манаше* Меникидир,
Эфрайим дубулғамдир, Яҳудо* салтанат
ҳассамдир.
10 Мўаб Менинг қўлювгичимдир,
Эдом узра чориғимни отаман*,
Олқишланг Мени, эй Филистлар!*”

11 Эй Худо, қанийди мустаҳкам шаҳарга* мени
олиб борсалар,
Эдомга мени бошлаб борсалар.
12 Ахир, бизни Ўзинг рад этдинг–ку!
Лашкаримизга йўлбошчилик қилмаяпсан–ку
энди!
13 Душмандан қутқариб, бизга ёрдам бер,
Инсоннинг ёрдами бутунлай беҳуда.
14 Эй Худо, Сен билан биз ғолиб бўламиз,
Душманларимизни Сен янчиб ташлайсан.

60–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Торли асбоблар
жўрлигида айтиладиган Довуд саноси.*

2 Эшитгин, эй Худо, оҳу ноламни,
Тинглагин менинг ибодатимни.
3 Ернинг у четидан Сенга ёлвораман,
Юрагим қон бўлганда, Сени чақираман.
Етиб бўлмас баланд қояга мени олиб чиққин.
4 Сен менинг паноҳим бўлгандирсан,
Душманимга қарши мустаҳкам минорасан.

5 Чодирингда то абад маскан қилай,
Қанотларинг соясида паноҳ топай.
6 Ахир, эй Худо, онтимни эшитгансан,
Номингдан қўрққанларнинг мулкидан менга ато
қилгансан.

7 Шоҳнинг умрини узайтиргин,
Насллар оша ҳаётини давом эттиргин.
8 Эй Худо, у то абад ҳузурингда тахтда ўтирсин,
Севгинг, садоқатинг ила уни ҳимоя қилгин.

9 Шунда Сенга ҳар доим ҳамду сано куйлайман,
Берган онтимни ҳар куни адо этаман.

61–САНО

[1] *Ижрочилар раҳбари Ёдутунга*. Довуд саноси.*

[2] Жоним ёлғиз Худога мунтазирдир,
Нажот менга Худодан келади.
[3] Ҳа, Унинг Ўзи суянган қоям, нажотимдир.
Қалъам Удир, шу боис асло қоқилмасман.

[4] Эй душманлар, қачонгача мени туртасизлар?!
Лиқиллаб турган четан деворга,
Қийшайган деворга ҳужум қилгандай
Ҳаммангиз менга ёпишаверасизларми?!
[5] Сизнинг режангиз обрўйимни тўкишдир.
Ёлғон–яшиқ гаплардан завқ оласиз,
Оғзингиз билан дуо қиласиз,
Ичингизда эса лаънат ўқийсиз.

[6] Эй жоним, ёлғиз Худога мунтазир бўлгин,
Умидим манбаи Унинг Ўзидир.
[7] Ёлғиз Худодир суянган қоям, нажотим,
Қалъам Удир, шу боис қоқилмасман.
[8] Нажотиму шарафим Худодан келар,
Қудратли қояму паноҳим Удир.

[9] Эй халқим, умид қил Худодан,
Юрагингни очгин доимо Унга,
Бизнинг паноҳимиз Худодир.

[10] Инсон зоти бир нафасдир,
Ҳа, инсон зоти ёлғондир!
Агар тарозида тортиб кўрилса,
Ҳаммаси бирга ҳаводан ҳам енгил чиқади.
Уларнинг асло вазни йўқдир.
[11] Юлғичликка ишониб қолма,
Талончиликка беҳуда умид қилма,
Мабодо бойлигинг кўпайиб қолса,
Бойлигингга кўнгил боғлама.

[12] Эй Худо, Сен менга бир нарса айтдинг,
Шу икки нарса ҳақида менга гапирдинг:
Сен қудратли Худосан.
[13] Эй Раббий, Сенинг севгинг чексиздир.
Шу боис Сен ҳар бир инсонни
Қилган ишларига кўра, мукофотлайсан.

62–САНО

[1] *Довуд Яҳудо чўлида бўлгандан кейин*, унинг айтган саноси.*

[2] Эй Худо, менинг Худойимсан, интиламан Сенга,

Қуруқ, толиққан сувсиз тупроқдай
Жоним ташнадир Сенга,
Вужудим орзуманддир Сенга.
3 Муқаддас масканингда Сенга нигоҳ ташладим,
Қудратингни, шуҳратингни кўрдим.
4 Ҳаётдан афзал Сенинг севгинг,
Тилимдан тушмас Сенга мадҳия.
5 Бир умр Сени олқишлайман,
Қўлларимни кўтариб, Сенга сажда қиламан.
6 Илик билан ёғ егандай жоним мамнун бўлади,
Шодиёна қўшиқлар ила Сени мадҳ қиламан.

7 Ўрнимда ётиб ҳам, Сени эслайман,
Сени ўйлаб, тунни қарши оламан.
8 Ўзинг менинг мададкорим бўлдинг,
Қанотларинг соясида севинч ила куйлайман.
9 Сенинг ортингдан қолмай эргашаман,
Ўнг қўлинг мени маҳкам тутади.

10 Жонимнинг пайига тушганлар
Ернинг қаърига тушиб йўқ бўлиб кетади.
11 Улар қиличнинг дамига йўлиқади,
Чиябўриларга ем бўлади.

12 Шоҳ эса Худодан севинч топади,
Худо номи билан онт ичганлар Уни мадҳ қилади,
Ёлғончиларнинг оғзи эса ёпилади.

63–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Эй Худо, овозимни эшитгин илтижо
қилганимда,
Ҳаётимни душман ваҳимасидан қутқаргин.
3 Фосиқнинг фитнасидан мени яширгин,
Бадкирдорлар тўдасидан ҳимоя қилгин.
4 Улар тилларини шамширдай қайрайди,
Нишонга олиб, заҳарли сўзларини ўқдай отади.
5 Айбсиз одамни пистирмадан туриб отади,
Ҳеч қўрқмай, бирданига унга ўқ узади.
6 Бир–бирининг қабиҳ режаларин
қўллаб–қувватлайди,
Яширинча тузоқ қўйишга тил бириктиради,
“Буни ким ҳам кўрарди”, деб ўйлайди.
7 Улар адолатсизликни қасд қилади:
“Ажойиб режа туздик,
Ниятимизни ҳеч ким билмайди”, деб айтади.

8 Худо эса фосиқларга ўқ узади,
Тўсатдан улар яраланади.

9 Уларнинг тили ўзларининг бошини ейди,
Уларни кўрганлар қалтираб кетади.
10 Жамики одамзод қўрқиб қолади,
Худонинг ишларини улар эълон қилади,
Худонинг қилганлари ҳақида ўйлаб кўради.

11 Солиҳлар Эгамиз туфайли севинсин!
Солиҳлар Унда паноҳ топсин,
Ҳамма покдил инсонлар Уни мадҳ этсин.

64–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси. Қўшиқ.*

2 Эй Қуддусдаги* Худо, Сен лойиқсан ҳамду
санога,
Сенга берган онтимизни бажо қиламиз.
3 Сенсан ибодатларга жавоб бергувчи,
Жамики одамзод Сенга келади.
4 Гуноҳ устимиздан* тантана қилган,
Сен эса кечирасан гуноҳларимизни*.
5 Қутлуғ ҳовлимда яшасин дея,
Сен Ўзинг танлаб, олиб келган инсон
Нақадар бахтлидир!
Уйингнинг, муқаддас Маъбадингнинг
Неъматларидан биз баҳраманд бўламиз.

6 Ғаройиб ишлар кўрсатиб,
Ғалаба ила бизга жавоб берасан,
Эй нажоткоримиз Худо!
Ернинг тўрт томонининг,
Ҳамда энг узоқ денгизларнинг умиди Сенсан.
7 Куч билан Ўзингни қуроллантиргансан,
Қудратинг ила тоғларни жойлаштиргансан.
8 Денгизлар ҳайқириғини бостирасан,
Тўлқинлар шовқинини тинчитасан.
Халқлар шовқин–суронига барҳам берасан.
9 Дунёнинг у четида яшовчилар
Мўъжизаларингдан қўрқувга тушади.
Шарқдан ғарбгача халқлар
Сенинг ишларингни севинч ила куйлайди.

10 Заминни Сен суғориб парваришлайсан,
Мўл–кўл қилиб уни бойитасан.
Эй Худо, дарёларинг суви лиммо–лимдир,
Инсонларни дон–дун билан таъминлашни
мўлжаллагансан.
11 Эгатларини қондириб суғорасан,
Баланд жойларини Ўзинг текислайсан,
Ёмғир билан тупроғини юмшатасан,
Ҳосилига барака берасан.

12 Мўл ҳосил билан йилга тож кийгизасан,
Араваларинг юрган йўллардан бойлик оқади.
13 Чўл сersув ўтлоқзорларга айланади,
Тепаликлар севинчга бурканади.
14 Яйловлар қўй сурувлари билан қопланади,
Водийлар донларга тўлади,
Улар севинчдан ҳайқириб қўшиқ айтади.

65–САНО

Ижрочилар раҳбарига. Сано. Қўшиқ.

1 Худога шодлик ила ҳайқиринг,
Эй ер юзидаги инсонлар!
2 Худонинг улуғворлигини куйланг!
Унга ажойиб ҳамду санолар айтинг!
3 Худога айтинглар:
“Сенинг ишларинг нақадар ғаройиб!
Қудратинг буюклигидан
Душманларинг олдингда титраб тиз чўкади.
4 Бутун замин Сенга сажда қилади,
Улар Сенга ҳамду сано айтади,
Ҳа, Ўзингга ҳамду сано куйлайди.”

5 Кел! Худо нима қилганини кўргин!
Инсон манфаати учун қилган
Ғаройиб ишларини кўргин!
6 Худо денгизни қуруқ ерга айлантирди,
Ота–боболаримиз баҳрдан юриб ўтди*,
У ерда қилган ишларидан,
Худо туфайли биз севинамиз.
7 Қудрати ила то абад ҳукм суради,
Кўзлари халқларни кузатиб туради,
Унга қарши исёнчилар қўзғалмасин.

8 Эй халқлар, Худойимизга олқишлар айтинг,
Унинг ҳамду саноси янграсин.
9 У бизнинг ҳаётимизни сақлаган,
Оёқларимизни тойиб кетишдан асраган.

10 Эй Худо, Сен бизни синадинг,
Кумушни тозалагандай бизни тозаладинг.
11 Бизни тузоққа йўлиқтирдинг,
Елкамизга оғир юк ортдинг.
12 Араваларни бошимиз узра юргиздинг,
Олов, сувлардан биз кечиб ўтдик,
Фаровонликка* бизни олиб келдинг.

13 Куйдириладиган қурбонликлар билан
Сенга берган онтимни адо этгани
Мен Сенинг уйингга келаман.

14 Кулфатда қолганимда онт ичган эдим,
Тилим ваъда берган, оғзим сўйлаган эди.
15 Бўрдоқиларни куйдириб, Сенга қурбонлик
қиламан.
Қўчқор, така, буқаларни келтираман.
Қурбонликларнинг ҳиди самога етиб боради.

16 Эй Худодан қўрққанлар, келиб эшитинглар,
Мен учун У нима қилганин сўзлаб берайин.
17 Мадад сўраб Худога ёлвордим,
Унинг ҳамду саноси ҳеч тилимдан тушмади.
18 Юрагимда гуноҳим бўлса эди,
Мени асло эшитмас эди Раббий.
19 Худо мени тинглади,
Ибодат қилганимда, овозимни эшитди.

20 Худога олқишлар бўлсин!
Ибодатимни У рад қилмади,
Содиқ севгисини мендан дариғ тутмади.

66–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Торли асбоблар
жўрлигида айтиладиган сано. Қўшиқ.*

2 Эй Худо, меҳрибон бўлгин, барака бергин бизга,
Юзинг нурини сочгин лутф ила устимизга,
3 Заминда маълум бўлади Сенинг йўлларинг,
Жамики халқлар орасида маълум бўлади Сенинг
нажотинг.

4 Эй Худо, халқлар Сени мадҳ қилсин,
Жамики халқлар Сенга ҳамду сано айтсин.
5 Халқларни Сен одиллик ила ҳукм қиласан,
Замин узра элатларга йўлбошчилик қиласан,
Севинсин халқлар, шодланиб қўшиқ айтсин.
6 Эй Худо, халқлар Сени мадҳ қилсин,
Жамики халқлар Сенга ҳамду сано айтсин.

7 Ер ўз ҳосилини берсин,
Худойимизнинг Ўзи бизга барака берсин.
8 Ҳа, Худо бизга барака берсин!
Ернинг тўрт томонидаги халқлар Унга тиз
чўксин.

67–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси. Қўшиқ.*

2 Қўзғалсин Худо, тарқалиб кетсин душманлари,
Олдидан қочиб кетсин Ундан нафратланганлар.
3 Тутунни шамол тарқатгани каби,

Худо уларни ҳайдаб юборсин.
Мум оловда эригани каби,
Худо олдида фосиқ ҳалок бўлсин.
4 Солиҳлар эса хурсанд бўлсин,
Худо олдида шод бўлсин,
Улар хурсандликка тўлиб–тошсин.

5 Худога ҳамду санолар куйланг,
Унинг номини тараннум этинг.
У булутларни миниб боради,
Уни улуғланг.
У Эгамиздир!
Ҳузурида шодланинг!
6 У Худодир, макони муқаддасдир,
Етимларнинг отаси, бевалар ҳимоячисидир.
7 Худо ёлғизларни хонадонга жойлаштиради,
Асирларни роҳатга, эркинликка олиб чиқади,
Исёнкорлар эса қақраган ерга эга бўлади.

8 Эй Худо, Ўз халқингнинг олдида борганингда,
Саҳро бўйлаб юриш қилганингда,
Замин титради, осмон ёмғирини қуйди.
9 Сенинг ҳузурингда, эй Синай тоғининг Худоси*,
Сенинг олдингда, эй Исроил халқининг Худоси,
Замин титради, осмон ёмғирини қуйди.
10 Сен, эй Худо, мўл ёмғир бердинг,
Толиққан ерингга* қайтадан куч ато этдинг.
11 Халқинг ўша ерда бошпана топди,
Эй Худо, ҳимматингдан муҳтожларни баҳраманд
қилдинг.

12 Раббийдан амр келади,
Аёлларнинг катта жамоаси хушхабарни элтади:
13 “Шоҳлару лашкарлар шоша–пиша қочди!”
Ҳа, Исроил аёллари чодирларда ўлжани бўлишиб
олади!
14 Ҳатто уйда қолганлар учун ҳам
Бордир кумуш билан қопланган каптар
қанотлари,
Ялтироқ олтин билан қопланган каптар патлари.
15 Қодир Худо шоҳларни тўзғитганда,
Залмон тоғига* қор ёққандай бўлди.

16 Эй Башаннинг тоғи*, улуғвор тоғ,
Эй чўққилари кўп тоғ, Башаннинг тоғи!
17 Эй чўққилари кўп тоғ!
Худо макон қилиб танлаган тоққа*
Нега ҳасад билан қарайсан?
Эгамиз то абад у ерда истиқомат қилади.

18 Худонинг жанг аравалари сон–саноқсиздир,
Раббий Синайдан муқаддас маконига келади.
19 Юксакларга* чиқди У,
Асирларни ортидан эргаштирди.
Халқлардан ҳадялар олди,
Ҳатто гуноҳкор исёнчилардан ҳам туҳфалар
олди.
Ахир, Парвардигор Эгамиз у ерда яшайди!

20 Раббийга олқишлар бўлсин,
У ҳар куни оғирлигимизни кўтаради.
Худо бизнинг нажотимиздир.
21 Худойимиз — нажот бергувчи Худо,
Эгамиз Раббий ўлимдан қутқаради.

22 Худо шубҳасиз душманлар бошини янчади,
Гуноҳ йўлидан юрган одамнинг
Бош суякларини ҳам эзади.
23 Раббий шундай дейди:
“Душманларингни Башандан қайтариб келаман,
Уларни денгиз тубидан олиб келаман.
24 Оёғингни душманларинг қонига ботирасан,
Итларинг ҳам душман қонини ялаб,
Ўз улушини олади.”

25 Эй Худо, зафарли карвонинг кўринмоқда!
Худойим, менинг Шоҳим, Сенинг карвонинг
Муқаддас маконингга бораётгани кўринмоқда!
26 Олдинда қўшиқчилар, орқада созандалар,
Уларнинг ўртасида чилдирма чалган қизлар
куйлар:
27 “Олқишлар айтинг Худога буюк жамоа ичра,
Ҳамду санолар ўқинг Эгамизга,
Эй Исроилнинг манбаидан пайдо бўлганлар!”
28 Уларнинг энг кичиги — Бенямин қабиласи
олдинда келади,
Ортидан тўп бўлиб Яҳудо шаҳзодалари келади,
Забулун, Нафтали* шаҳзодалари уларга
эргашади.

29 Эй Худо, кўрсатгин қудратингни!*
Эй Худо, аввалгидай намоён қил кучингни!
30 Қуддусдаги Маъбадинг ҳақи–ҳурмати
Шоҳлар Сенга ҳадялар келтиради.
31 Мисрга, қамишзор орасидаги ўша ёввойи
ҳайвонга* танбеҳ бер,
Халқларга, ўша буқалар подасига, бузоқларига
танбеҳ бергин.
Сенга таъзим қилиб, кумушларини назр
қилишсин.

Урушдан лаззатланувчи бу халқларни тўзғитгин.
32 Мисрдан бронза келтирилади*,
Ҳабашистон* Сенга қўлларин чўзиб, эй Худо,
Ўлпон тўлашга шошилиб қолади.

33-34 Худони тараннум этинг, эй ер юзи
шоҳликлари,
Самолар — азалий самолар узра чиққан,
Ҳайбатли овози гулдураган
Раббийга ҳамду санолар куйланг.
35 Ҳаммага эълон қилинг Худонинг қудратини,
Унинг улуғворлиги Исроил устидадир,
Унинг қудрати самолардадир.
36 Худо қўрқинчлидир Ўзининг муқаддас
масканида,
Исроил халқининг Худоси куч–қудрат берар Ўз
халқига.

Худога олқишлар бўлсин!

68–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. “Нилуфар” куйига айтиладиган Довуд саноси.*

2 Эй Худо, мени Ўзинг қутқар,
Сувлар бўғзимга қадар кўмди.
3 Ботқоққа чўкиб бораётирман,
Оёғимни қўйгани қаттиқ ер йўқ.
Чуқур сувларга ботиб кетдим,
Энди тўлқинлар мени ютмоқда.
4 Мадад сўраб, силлам қуриди,
Томоқларим қақраб кетди,
Эй Худойим, Сени кутиб, кўз нурим сўнди.

5 Сабабсиз мендан нафратланганлар
Бошимдаги сочимдан ҳам кўпдир.
Кўпчилик сабабсиз менга душмандир,
Улар жонимга қасд қилмоқчилар.
Мен ўғирламаган нарсаларни улар,
Қайтиб бер, деб мени мажбур қилмоқдалар.
6 Эй Худо, ақлсизлигимни Ўзинг биласан,
Айбларим Сендан асло яширин эмас.

7 Эй Сарвари Олам — Раббий,
Сендан умид қилганлар
Мен туфайли уятга қолмасинлар.
Эй Исроил халқининг Худоси,
Сенга юз бурганлар
Мен туфайли шарманда бўлмасинлар.
8 Сени деб ҳақоратга чидадим,

Хижолатдан юзим шувут.
9 Ака–укаларимга гўё бегонадайман,
Туғишганларим орасида мусофирдайман.

10 Сенинг уйингга бўлган севгим ичимни
ёндирар,
Сени ҳақоратлаганлар мени ҳақорат қилган
бўлар.
11 Фарёд қилиб, рўза тутганимда,
Мен масхара бўлдим.
12 Кулфатда қолиб, қанор кийганимда*,
Улар устимдан кулдилар.
13 Шаҳар дарвозаси олдида* ўтирганлар
Мени ғийбат қиларлар,
Маст–аластлар мен тўғримда қўшиқ айтарлар.

14 Мен эса, эй Эгам, Сенга ибодат қиламан.
Маъқул вақтда, содиқ севгинг соясида, эй Худо,
Ишончли нажотинг билан жавоб бер менга.
15 Мени қутқаргин, ботқоққа ботиб кетмай,
Мендан нафратланганлардан халос бўлай,
Мени чуқур сувлардан сақлагин.
16 Тўфон мени ғарқ қилмасин,
Тубсиз сувлар мени ютмасин,
Қабр менга оғзин очмасин.

17 Жавоб бер ибодатимга, эй Эгам,
Нақадар эзгудир содиқ севгинг,
Буюк шафқатинг ила менга юз бургин.
18 Мен, қулингни жамолингдан бебаҳра қилма,
Кулфатда қолганман, жавоб бер тезда.
19 Яқинроқ кел, қутқаргин мени,
Душманларимдан халос қил мени.

20 Ҳақоратга дучор бўлганим,
Шармандаю шармисор бўлганим
Ўзингга равшан.
Ҳамма душманларимни биласан.
21 Ҳақоратлар қалбимни яралаб,
Тушкунликка туширди.
Бир ҳамдард изладим, ҳеч ким йўқ эди,
Тасалли берувчи изладим–у, топмадим.
22 Овқатимга улар заҳар солдилар,
Чанқаганимда менга узум сиркаси бердилар.

23 Дастурхонлари ўзларига тузоқ бўлсин,
Ҳамтовоқлари учун қопқон бўлсин.
24 Кўз нурлари сўнсин, кўрмай қолсин,
Беллари то абад букчайиб қолсин.
25 Улар устига ғазабингни сочгин,

Қаҳринг аланга олиб, уларни ютиб юборсин.
26 Уларнинг макони ташландиқ бўлиб қолсин,
Чодирларида тирик бир жон қолмасин.
27 Сен урган инсонларни улар таъқиб қилади,
Сен берган яра азобларини улар ғийбат қилади.
28 Гуноҳлари устига гуноҳ қўшгин,
Уларни Сен оқламагин.
29 Номлари ҳаёт китобидан ўчирилсин,
Солиҳлар билан ёнма–ён ёзилмасин.
30 Мен азобда, кулфатда қолганман,
Эй Худо, нажотинг мени ҳимоя қилсин.

31 Номини куйлаб, Худони мадҳ қиламан,
Шукур айтиб, Уни мақтайман.
32 Қурбонлик қилинган бузоқдан, ҳатто буқадан
кўра,
Ҳамдларим Эгамни кўпроқ мамнун қилади.
33 Мазлумлар буни кўриб, севинсин,
Худога интилаётганлар дадил бўлсин.
34 Эгамиз муҳтожларни эшитади,
Асир бўлган халқидан нафратланмайди.
35 Еру осмон Эгамизни мадҳ айласин,
Денгизлару улардаги жонзотлар Уни улуғласин.
36 Худо Қуддусга* нажот беради,
Яҳудо шаҳарларини қайта тиклайди,
Халқ ўрнашиб, у ерни мулк қилади.
37 Худо қулларининг авлоди у ерни эгаллайди,
Худони севганлар у ерни маскан қилади.

69–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси. Эгамиздан мадад сўраб айтган илтижоси.*

2 Эй Худо, нажот бер менга,
Келгин тезда, эй Эгам, мадад бер менга.
3 Жонимга қасд қилганлар
Шармандаю шармисор бўлсин!
Ҳалокатимни истаганлар
Уятга қолиб, орқага қайтсин!
4 “Ҳолинг қалай энди?!” деб мени
масхаралаганлар
Шарманда бўлиб, орқага қайтсин.

5 Сенга юз бурганларнинг ҳаммаси
Сен туфайли севинч, шодликка тўлсин.
Сенинг нажотингни севганлар:
“Худо юксалаверсин”, деб доим айтсин.
6 Эҳ, мен ғариб, бечораман,
Менга ёрдам беришга шошил, эй Худо!
Мададкорим, нажоткорим Ўзингсан,

Кечикмагин, эй Эгам!

70–САНО

1 Эй Эгам, Сенда мен паноҳ топаман,
Шарманда бўлишимга асло йўл қўймагин.
2 Адолатлисан, мени халос қил, қутқаргин,
Қулоқ тут менга, нажот бергин.
3 Менинг паноҳ қоям бўлгин,
Ҳар доим Сенга бора олай.
Мени қутқармоқ учун амр бердинг.
Чиндан ҳам, Сен суянган қоямсан, қалъамсан.

4 Эй Худойим, фосиқнинг қўлидан мени
қутқаргин,
Адолатсиз, золим одамнинг исканжасидан
қутқаргин.
5 Сен, эй Эгам Раббий, менинг умидимсан,
Ёшлигимдан Сенга умид боғлаганман.
6 Туғилганимдан буён Сенга суяндим,
Онамнинг қорнидан мени олиб чиққансан,
Доимо Сенга ҳамду сано айтаман.

7 Ҳаётим кўпчиликка ўрнак бўлди,
Чунки Сен менинг мустаҳкам паноҳимсан.
8 Оғзимдан асло тушмас Сенга ҳамду санолар,
Кун бўйи шуҳратингни эълон қиламан.
9 Кексайган чоғимда мени ташлаб қўймагин,
Қувватим кетганда, мени тарк этмагин.
10 Ахир, душманларим менга қарши тил
бириктиради,
Бирга фитна қилиб, мени ўлдирмоқчи бўлади.
11 Душманларим айтар: “Худо тарк этган уни,
Қувинглар, ушланглар уни,
Уни қутқарадиган ҳеч кимса йўқдир.”

12 Эй Худо, мендан узоқ кетмагин,
Тез кел, эй Худойим, менга мадад бер!
13 Мени айбловчилар шармандаликдан ерга
кириб кетсин,
Менга зарар етказмоқчи бўлганлар
Масхара бўлсин, бадном бўлсин.
14 Мен эса доимо Сенга умид боғлайман,
Янада кўп ҳамду сано айтаман.
15 Менга қилганларингдан ҳайратга тушдим,
Адолатингни ҳар кимга ҳикоя қилавераман,
Нажотингни кун бўйи сўйлайвераман.
16 Қудратли ишларингни мадҳ қиламан, эй Эгам
Раббий,
Ёлғиз Сенинг одиллигингни мадҳ қиламан.

17 Эй Худо, ёшлигимдан Сен менга таълим
бергансан,
Ажойиб ишларингни ҳамон айтиб юраман.
18 Сочларим оқариб, кексайганимда,
Мени тарк этмагин, эй Худо!
Келгуси авлодларга кучинг ҳақида айтай,
Мендан кейин келадиганларга
Қудратинг ҳақида айтиб берай.
19 Адолатинг самоларга етади, эй Худо,
Буюк ишлар қилдинг Сен,
Сенга ўхшаган ким бор, эй Худо?!
20 Дучор қилдинг мени кўп кулфат, азобларга,
Мени яна ҳаётга қайтарасан,
Ер остидан яна мени чиқариб оласан.
21 Шуҳратимни яна юксалтирасан,
Менга яна таскин берасан.

22 Арфа чалиб, Сенга ҳамду сано айтаман,
Сенинг садоқатингни куйлайман, эй Худойим.
Лира чалиб, Сени тараннум қиламан,
Эй Исроил халқининг Муқаддас Худоси!
23 Сени мадҳ қилиб куйлаганимда,
Шодликдан ҳайқираман.
Мени Сен қутқаргансан.
24 Менга зарар етказмоқчи бўлганлар
Шармандаи шармисор бўлдилар.
Кун бўйи тилим адолатинг ҳақида сўйлайди.

71–САНО

1 *Сулаймон саноси.*

Эй Худо, шоҳга адолатингни бергин,
Шоҳ ўғлига тўғри ҳукм чиқаришни ўргатгин.
2 Сенинг халқингни у адолат ила ҳукм этсин,
Бечораларни у тўғрилик билан ҳукм этсин.
3 Тоғлар халққа роҳат–фароғат олиб келсин,
Тепаликлар ҳақиқат самарасини келтирсин.
4 Шоҳ халқнинг қашшоқларини ҳимоя қилсин,
Бечораларнинг болаларига нажот берсин,
Золимларни эзиб ташласин.
5 Насллар оша қуёшу ой самода тургандай,
Унинг умри ҳам шунчалик узоқ бўлсин!*

6 Шоҳимиз ўхшасин ўрилган далага,
Ёққан ҳузурбахш ёмғирга,
Ерни суғорган шаррос ёмғирга.
7 Унинг даврида солиҳ яшнасин,
Дунё тургунча мўл–кўлчилик бўлсин.

8 У бир денгиздан иккинчисига қадар,

Фурот дарёсидан тортиб,
Ер юзининг тўрт томонига ҳукмронлик қилади.
9 Шоҳ олдида чўл қабилалари тиз чўксин,
Унинг душманлари тупроқ яласин.
10 Денгиз ортидаги юртларнинг шоҳлари,
Таршиш* шоҳлари унга ўлпон олиб келсинлар.
Шава* ҳамда Саво* шоҳлари
Унга ҳадялар келтирсинлар.
11 Ҳамма шоҳлар унга таъзим айласин,
Ҳамма халқлар унга хизмат қилсин.

12 Мазлум нола қилганда, шоҳ нажот беради,
Мададкори йўқ бечорани у қутқаради.
13 Заиф, бечорага у шафқат кўрсатади,
Мазлумларнинг ҳаётини сақлайди.
14 Мазлумларни жабр–зулмдан халос қилади,
Мазлумлар қони унинг назарида азиздир.

15 Шоҳнинг умри узоқ бўлсин!
Шаванинг олтини уники бўлсин,
Халқ доимо у учун ибодат қилсин,
Кун бўйи дуо қилиб, Худодан барака тиласин.
16 Юртда дон мўл–кўл бўлсин,
Тепаликлар устида дон бошоқлари чайқалиб
турсин.
Лубнон тоғларида бўлгани каби, ҳосили унумли
бўлсин.
Даладаги гиёҳлар каби, шаҳарлари одамга
тўлсин.
17 Шоҳнинг номи мангу яшасин,
Унинг донғи қуёш тургунча бор бўлсин,
Барча халқлар у орқали барака топсин,
Халқлар уни, бахтиёр, деб айтсин.

18 Исроил халқининг Худоси — Эгамизга
Олқишлар бўлсин.
Ажойиб ишлар қиладиган ёлғиз Удир.
19 Эгамизнинг улуғвор номига то абад олқишлар
бўлсин,
Бутун ер юзи Унинг шуҳрати билан тўлсин.

Омин! Омин!

20 Эссай ўғли Довуднинг ибодатлари ниҳоясига
етди.

72–САНО

Осиф саноси.*

1 Ҳақиқатан ҳам, Исроил халқига,

Юраги пок бўлганларга Худо ҳиммат қилар.
2 Оёқларим тойиб кетай, деди,
Сал бўлмаса сирпаниб йиқилай, дедим.
3 Фосиқнинг яшнаётганини кўрганимда,
Такаббурларга ҳасад қилдим.

4 Улар оғриқ нималигини билмайдилар*,
Таналари соппа–соғ, бақувват.
5 Бошқалардай улар дард тортмайдилар,
Бошқалардай улар азоб чекмайдилар.
6 Киборлик уларнинг бўйнидаги маржон бўлади,
Зўравонликни улар либос қилиб кийиб олган.
7 Уларнинг кўзларини ёғ босиб қолган,
Хаёлларида аҳмоқона ниятлар тўлиб–тошган.
8 Такаббурлар масхаралаб, хусумат билан
гапиради,
Мағрурланиб, зулм билан таҳдид қилади.
9 Фосиқлар оғизлари билан осмонга даъво
қилади,
Тиллари билан ер юзини мулк қилиб олади.
10 Шу боис ҳар ким уларга юз буради,
Уларнинг сўзларини сув каби ичади*.
11 Яна улар шундай дейдилар:
“Худо қандай қилиб била олади?!
Худойи Таоло нимани ҳам биларди?!”
12 Фосиқлар ана шунақа!
Доимо беташвиш бойлик орттиради.
13 Ҳа, мен бекорга юрагимни пок тутган
эканман–да!
Айбсизман, дея бекорга қўлларимни
ювибман–да!
14 Ахир, кун бўйи азоб тортаман,
Ҳар куни эрталаб жазо оламан.

15 Мен ҳам фосиқ гапларни гапираверганимда,
Сенинг содиқ фарзандларингга хоинлик қилган
бўлар эдим.
16 Аммо буларни тушунай, десам,
Бу иш жуда ҳам машаққатли туюлди.
17 Худонинг муқаддас масканига кирдим,
Шундагина фосиқлар қисмати не бўлишини
тушундим.

18 Эй Худо, чиндан ҳам уларни сирпанчиқ ерга
қўйгансан,
Уларни жарликка улоқтириб, барбод қиласан.
19 Улар бирдан қирилиб кетади,
Ваҳимадан қирилиб, йўқ бўлади.
20 Уларнинг ҳаёти фақат тушдир,
Уйғонганларида унут бўлади.

Сен ҳам қўзғалганингда, эй Раббий,
Уларнинг ҳаётига чек қўясан.

21 Ғамга тўлган пайтларимда,
Юрагимда дард пайдо бўлганда,
22 Мен нодон, жоҳил бўлган эканман,
Қаршингда онгсиз ҳайвон каби бўлган эканман.
23 Шундай бўлса ҳам, доимо Сен биланман,
Сен ўнг қўлимдан ушлагансан.
24 Ўгитларинг билан менга йўл кўрсатасан,
Охири мени шон–шуҳрат ила кутиб оласан.
25 Сендан бошқа кимим бор самода?!
Сендан ўзгасини истамасман ер юзида.
26 Адо бўлиши мумкин танаму юрагим,
Аммо Сен, эй Худо, қалбимнинг қувватисан,
Сен то абад барқарорлигимсан.

27 Сендан узоқ бўлганлар ҳалок бўлади,
Қириб ташлайсан Сенга содиқ бўлмаганларни.
28 Эй Худо, Сенга яқин бўлганим эса менга
яхшидир.
Эй Эгам Раббий, Сени паноҳим қилиб олдим,
Сенинг ҳамма ишларингни айтиб юраман.

73–САНО

Осиф қасидаси*.*

1 Эй Худо! Нечун бизни то абад рад этасан?!
Нечун яйловдаги қўйларингга ғазабингни
сочасан?!
2 Азалда Ўзингники қилиб олган халқингни
ёдингда тут.
Ўзимнинг мулким бўлсин деб, қутқарган
халқингни,
Ўзинг маскан қилган Сион тоғини ёдингда тут.
3 Даҳшатли бу хароба томон қадам босиб кўр,
Қара, муқаддас маскандаги борини ғаним йўқ
қилди.

4 Ғанимларинг шовқин–сурони муқаддас
масканингни тўлдирди,
Байроқларини улар белги қилиб ўрнатди.
5 Ўзларини болтаси бор одамдай тутдилар,
Ўрмондаги дарахт кесувчилардай тутдилар.
6 Сўнгра болтаю болғалар билан
Парчаладилар унинг ўймакор ишларини.
7 Муқаддас масканингга ўт қўйдилар,
Сен улуғланадиган маконни ҳаром қилдилар,
Маъбадингни ер билан битта қилдилар.
8 “Уларни тамомила қириб ташлаймиз”, деб ўз

кўнглида айтдилар,
Юртдаги барча саждагоҳларни ёқиб ташладилар.

9 Бирорта ҳам пайғамбар қолмади,
Мўъжиза аломатларини топа олмаймиз.
Қачонгача давом этар бу?
Бирортамиз билмаймиз.
10 Эй Худо, қачонгача ғаним Сени масхара қилар?!
Сени душман то абад ҳақорат қиларми?!
11 Нечун ўнг қўлингни ишга солмайсан?!
Қўлингни қўйнингдан чиқариб,
Уларни қириб ташлагин!

12 Эй Худо, азалдан менинг Шоҳимсан,
Ер юзига Сен нажот олиб келасан.
13 Қудратинг билан денгизни бўлган Сенсан,
Денгиз аждарларининг бошини мажақлагансан.
14 Махлуқ Левитаннинг* бошларини эзиб
ташлагансан,
Чўл жонзотларига* уни емиш қилиб бергансан.
15 Булоқлару анҳорларни очган Сенсан,
Оқар дарёларни қуритган ҳам Сенсан.
16 Кундуз Сеникидир, тун ҳам Сеники,
Қуёш ва ойни* бунёд этгансан.
17 Заминнинг чегарасини Сен ўрнатгансан,
Ёз ва қишни ҳам ўрнатган Сенсан.

18 Эй Эгам, душманнинг масхаралашини,
Аҳмоқ одамлар Сени ҳақоратлашини ёдингда
тут.
19 Каптарларинг ҳаётини ёввойи ҳайвонларга
берма,
Мазлум халқингнинг ҳаётини то абад унутма.

20 Биз билан қилган аҳдингни эсла,
Юртдаги зулмат жойлар зўравонликка тўла.
21 Шармандаликка мазлум дучор бўлмасин,
Фақиру бечора Сенга ҳамду сано айтсин.
22 Қани, эй Худо, даъвоингни исбот қилгин,
Аҳмоқлар кун бўйи Сени масхара қилишини ёдда
тут.
23 Душманларинг шовқин–сурони
кўтарилаверади,
Уларнинг бақир–чақириғини эътиборсиз
қолдирма.

74–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. “Хароб этма” куйига айтиладиган Осиф* саноси. Қўшиқ.*

2 Эй Худо, Сенга шукурлар айтамиз,
Шукурлар айтамиз, Сен бизга яқинсан,
Мўъжизаларинг ҳақида одамлар гапиради.

3 Худо айтар: “Белгиланган вақтни танлайман,
Ҳаққонийлик билан ҳукм қиламан.
4 Замин ва ундаги инсонлар титраган пайтда
Замин устунларини* маҳкам ушлаган Менман.”
5 Мақтанчоқларга Худо айтар: “Мақтанмагин”,
Фосиққа айтар: “Кучинг билан мақтанмагин.
6 Гердайиб, самоларга кучингни кўрсатма,
Қайсарларча киборлик билан гапирма.”

7 Ҳеч ким шарқдан ёки ғарбдан ёхуд саҳродан
Инсонни юксалтира олмайди.
8 Ҳукм қиладиган Худодир,
Бировни У йиқитар, бошқасини юксалтирар.
9 Ғазаб косаси Эгамизнинг қўлида,
Зиравор қўшилган кўпикли шаробга* тўла.
У шаробни қуяди,
Оламдаги жамики фосиқлар эса
Қуйқумигача ичиб тугатади.
10 Мен то абад Ёқубнинг Худоси ҳақида
гапираман,
Уни ҳамду сано ила тараннум этаман.

11 Худо айтар: “Фосиқларнинг кучини қирқаман,
Солиҳларнинг қудратини ошираман.”

75–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Торли асбоблар жўрлигида айтиладиган Осиф* саноси. Қўшиқ.*

2 Яҳудо юртида Худо машҳурдир,
Исроилда Унинг номи буюкдир.
3 Унинг чодири Қуддусдадир*,
Макони Сиондадир.
4 Ўша ерда синдирди оташдай ўқларни,
Қалқону қилични, жанг қуролларини.

5 Эй Худо, нақадар буюксан!
Ўлжага бой тоғлардан Сен улуғворсан!
6 Жасур аскарлар ўлжа бўлиб ётибди,
Улар ўлим уйқусига кетган.
Бironта жангчининг
Қўл кўтаришга кучи қолмади.

7 Эй Ёқубнинг Худоси! Сенинг ҳайқириғингдан,
Отлару чавандозлар карахт бўлиб ётибди.
8 Чиндан ҳам Сен қўрқинчлисан,
Ким бардош бера олар Сенинг қаршингда,
Ғазабинг қўзғалган пайтда?!
9-10 Самолардан ҳукмингни эълон қилдинг!
Эй Худо! Сен ҳукм қилай деб,
Оламдаги мазлумларни қутқарай деб,
қўзғалдинг.
Шунда ер юзи қўрқиб сукутда қолди.
11 Инсонга бўлган ғазабинг* Ўзингга ҳамду сано
келтирар,
Ғазабингдан қутулганларни атрофингга
тўплайсан*.

12 Эгангиз Худога онтингизни адо қилинглар,
Қўрқинчли Худога атрофидагилари*
Ҳадялар олиб келсинлар!
13 Худо такаббур шаҳзодаларни бўйсундириб
олади,
Ер юзи шоҳларини қўрқувга солади.

76–САНО

1 *Ижрочилар раҳбари Ёдутунга*. Осиф* саноси.*

2 Фарёд қилиб, Худога ёлвораман,
Эшитгин мени, деб Худога ҳайқираман*.
3 Қайғули кунимда Раббийга интилдим,
Тунда қўлларимни кўтариб илтижо қилдим,
Жоним тасалли топишни рад этди.

4 Эй Худо, Сени ўйлаганимда,
Фиғон чекаман, руҳим заифлашади.
5 Тун бўйи Сен мени бедор қилдинг,
Сўзлай олмайман азобланганимдан.
6 Олдинги кунлар ҳақида ўйлаб юрдим,
Эски даврларни эслаб юрдим.
7 Тун бўйи ўзим билан ўзим суҳбат қурдим*,
Қалбим хаёлга берилиб, руҳим
сўраб–суриштирди:
8 “Раббий то абад бизни рад этармикан?
Ҳеч қачон шафқат кўрсатмасмикан?
9 Унинг содиқ севгиси то абад йўқолганми?
Унинг ваъдалари бир умрга тамом бўлганми?
10 Худо шафқатли бўлишни унутиб қўйдими?
Раҳмдиллик ўрнини ғазаб эгалладими?”
11 Ўзимга ўзим дедим:
“Худойи Таоло ўнг қўли орқали
Энди бизга ёрдам бермаяпти.
Бу менинг кулфатимдир.”

12 Эй Эгам, ишларингни мен ёдга оламан,
Азалий мўъжизаларингни эсга оламан.
13 Ҳамма ишларингни хаёлимдан ўтказаман,
Қудратли ишларинг ҳақида фикр юритаман.
14 Сенинг йўлинг, эй Худо, муқаддасдир,
Қайси худо Сендай буюкдир?!
15 Мўъжизалар яратувчи Худо Сенсан,
Халқлар орасида қудратингни кўрсатган Сенсан.
16 Қудратинг билан Ўз халқингни,
Ёқуб ҳамда Юсуф наслларини қутқаргансан.

17 Эй Худо, сувлар Сени кўрганда,
Ҳа, сувлар Сени кўрганда, қўрқиб кетдилар,
Тубсиз денгизлар ларзага келди!
18 Булутлар ёмғирин қуйди,
Самолар гумбурлаб янгради,
Ўқларинг ҳар томонда
Ялт этиб пайдо бўлди.
19 Гумбур–гумбур эшитилди қуюн ичида,
Чақмоқларинг оламни ёритди,
Замин титраб, тебранди.
20 Йўлинг денгиз орқали ўтди,
Сўқмоғинг баҳайбат сувлардан ўтди,
Изларинг эса кўринмас эди.
21 Халқингни қўй сурувидай етаклаб бординг,
Мусо, Ҳорунни раҳнамо қилиб танладинг.

77–САНО

Осиф қасидаси*.*

1 Қулоқ солинг, эй халқим, ўгитларимга,
Қулоқ тутинг оғзимдан чиққан сўзларга.
2 Оғзимни очаман масалга,
Ўтмишнинг сирли сабоқларин ўргатаман сизга.
3 Буларни айтган эди ота–боболаримиз,
Улардан эшитганмиз, биламиз.
4 Эгамизнинг ҳамдга лойиқ ишларини,
Унинг қудратини, У қилган ажойиботларни
Биз яширмай айтамиз ота–боболаримиз наслига,
Ҳикоя қиламиз болаларимизга.

5 Ёқуб наслига У фармон берди,
Исроилга қонун тайинлади.
Ота–боболаримизга амр бериб:
“Болаларингизга ўргатинг”, деди*.
6 Токи келажак насллар буларни билсин,
Билсин ҳатто туғилмаган болалар,
Ўз навбатида болаларига айтсин улар.
7 Болалари ҳам умидини боғласин Худога,

Худонинг ишларини унутиб қўймай,
Риоя этсин Унинг амрларига.
8 Токи улар ота–боболарига ўхшаб,
Ўжар, исёнкор насл бўлмасин.
Юрагида Худога садоқати бўлмаган,
Руҳан беқарор насл бўлмасин.

9 Ўқ–ёй билан қуролланган Эфрайим
жангчилари*
Жанг кунида ортига қайтди*.
10 Улар Худонинг аҳдига риоя қилмадилар,
Унинг қонунлари бўйича юришни рад этдилар.
11 Улар унутдилар Худонинг қилган ишларини,
Худонинг уларга кўрсатган мўъжизаларини.
12 Миср диёридаги Зўван текислигида*,
Уларнинг ота–боболари кўз ўнгида
Худо мўъжизалар кўрсатганди.
13 Денгизни ёриб, ўртасидан уларни ўтказди,
Сувларни девор каби тик қилиб қўйди*.
14 Кундузи уларни булут орқали етаклади,
Тун бўйи аланга ёруғи орқали етаклади*.
15 У саҳродаги қояларни парчалади,
Денгиз сувидай мўл сувни уларга берди.
16 Қоядан ирмоқларни чиқарди,
Сувларни дарёлардай оқизди*.

17 Улар саҳрода Худойи Таолога қарши исён
кўтариб,
Унга қарши гуноҳ қилавердилар.
18 Улар атайлаб Худони синадилар*,
Кўнгли тусаган овқатни талаб қилдилар.
19 Улар Худога қарши сўзлаб, дедилар:
“Саҳрода Худо бизга дастурхон ёза олармиди?!
20 Мана, У қояга урганда,
Сув дарё–дарё бўлиб оқди,
Ирмоқлар тўлиб–тошди.
Энди У Ўз халқига нон бера олармикан?
Халқини гўшт билан таъминлай олармикан?”

21 Эгамиз уларнинг гапини эшитиб,
Қаттиқ ғазабга минди.
Ёқуб наслига қарши ғазаб алангасини пуркади,
Ҳа, Исроил наслига қарши қаҳрини сочди*.
22 Улар Худога ишонмадилар,
Унинг нажотига таянмадилар.
23 Худо самолардан туриб амр берди,
Осмон қопқаларини очиб юборди.
24 Улар есин деб, манна* ёғдирди,
Осмоннинг донини уларга берди.
25 Одамзод фаришталар нонидан еди,

Худо уларга мўл–кўл таом юборди.
26 У самолардан шарқ шамолини эстирди,
Қудрати билан жануб шамолига йўл кўрсатди.
27 У чангдай мўл қилиб, халқига гўшт ёғдирди,
Ҳа, денгиздаги қумдай мўл қилиб қушлар
ёғдирди.
28 Буларни уларнинг қароргоҳига ёғдирди,
Уларнинг чодирлари атрофига туширди.
29 Улар тўйгунларича едилар,
Худо уларга кўнгиллари тусаганини берди.
30 Бироқ ҳали кўнгли тусаганига тўймаган,
Луқмалари ҳали уларнинг оғизларида экан,
31 Худо ғазабини уларга сочди,
Уларнинг кучлиларини ўлдирди,
Исроилнинг гулдай йигитларини ер тишлатди*.

32 Шуларга қарамай, улар гуноҳ қилавердилар,
Худонинг мўъжизаларига ишонмадилар.
33 Худо уларнинг кунларини бир нафасдай
битирди,
Уларни ваҳимага солиб, умрларини барбод
қилди.
34 Баъзиларини Худо ўлдирди,
Шундагина қолганлари Унга интилди,
Тавба қилиб, яна Худога қайтди.
35 Улар шундай деб эсладилар:
“Ҳа, Худо суянган қоямиз,
Бизнинг қутқарувчимиз Худойи Таоло.”
36 Аммо Худога хушомад қилардилар,
Унга тиллари билан ёлғон сўзлашарди.
37 Юракларида эса Худога содиқ эмас эдилар,
Унинг аҳдига бевафолик қилдилар.

38 Худо–чи, шафқат қилди,
Кечирди уларнинг гуноҳларини,
Қириб ташламади уларни.
Кўпинча У ғазабини босди,
Бутун ғазабини сочмади.
39 Худо эслади: “Улар шунчаки бандалардир,
Эсиб, бошқа қайтиб келмас шамолдир.”

40 Саҳрода Худога қанчалар кўп исён қилдилар!
Дашту биёбонда Уни хафа қилдилар.
41 Худони улар такрор–такрор синадилар,
Исроил халқининг Муқаддас Худосини
ранжитдилар.
42 Улар Худонинг қудратини,
Уларни душмандан қутқарган кунни эсдан
чиқардилар.
43 Худо Мисрда кўрсатган мўъжизаларни,

Ҳа, Зўван текислигида* кўрсатган
ажойиботларни унутдилар.
44 Мисрдаги дарёларни Худо қонга айлантирди,
Мисрликлар ирмоқлардан сув ичолмай қолди.
45 Уларни еб битирсин дея, пашшалар галасини
юборди,
Юртни вайрон қилсин дея, қурбақалар юборди.
46 Уларнинг ҳосилини Худо чигирткаларга* ем
қилди,
Уларнинг меҳнати маҳсулини чигирткаларга
берди.
47 Узумзорларини дўл билан яксон қилди,
Шикамора–анжир дарахтларини* жалада нобуд
этди.
48 Уларнинг чорвасини дўлга дучор қилди,
Уларнинг подасини яшин алангасига берди.
49 Қулфат элчиларини юборгандай
Худо уларга алангали ғазабини, қаҳрини,
Нафратини ҳамда мусибатни сочди.
50 У Мисрдан ғазабини қайтармади,
Уларнинг жонларига шафқат қилмади,
Уларни вабога дучор қилди.
51 Мисрнинг ҳамма тўнғич ўғилларини нобуд
қилди*,
Ҳа, Хом авлодининг* фахри,
Қут–барака тимсолини йўқ қилди.
52 Ўз халқини эса Худо қўйдай етаклаб чиқди,
Уларни саҳро бўйлаб сурувдай бошлаб борди.
53 Эгамиз эсон–омон бошлаб борди,
Улар қўрқмадилар,
Уларнинг ғанимларини эса денгиз ютди.
54 Эгамиз халқини Ўз муқаддас юртига,
Ўз кучи билан қўлга киритган тоққа олиб келди.
55 Ўз халқининг олдидан бошқа халқларни*
қувди,
Уларнинг юртини мулк қилиб бўлиб берди,
Исроил қабилаларини уларнинг чодирларида
ўрнаштирди.
56 Улар ҳамон Худойи Таолони синардилар,
Унга қарши исён кўтариб, фармонларига
бўйсунмадилар.
57 Оталари каби бевафолик қилиб, хоинлик
қилдилар,
Яроқсиз камонга ўхшаб ишончсиз чиқдилар.
58 Саждагоҳлари билан улар Худони
ғазаблантирдилар,
Бутлари билан Унинг рашкини қўзғатдилар.
59 Буларни эшитганда Худо, ғазабга минди,
Шундан сўнг Исроилни тамом рад этди.

60 У Шилўдаги* Ўз масканини,
Инсонлар орасида тиккан Чодирини тарк этди.
61 Душманга асир қилиб берди Аҳд сандиғини,
Ўзининг қудратию шуҳрати рамзини*.
62 Ўз халқини У қиличга рўпара қилди,
Ғазабини танлаган халқига сочди.
63 Йигитларини аланга ямламай ютди,
Қизлари никоҳ қўшиқларини айтолмай қолди.
64 Руҳонийлари қилич тиғидан йиқилди,
Руҳонийларнинг бевалари аза тутолмай қолди.
65 Шунда Раббий қўзғалди уйқудан уйғонгандай,
Шаробдан ҳайқираётган баҳодирдай.
66 Душманларини У тирқиратиб қувди,
Уларни абадий шармандаликка дучор қилди.

67 Юсуф наслини Худо рад этди,
Эфрайим қабиласини* танламади.
68 Унинг ўрнига Яҳудо қабиласини*,
Ўзи севган Сион тоғини танлади*.
69 Абадий ўрнатган ер курраси каби,
Самолар каби, Ўз муқаддас масканини қурди.
70 Худо Ўз қули Довудни танлаб олди,
Қўй қўрасидан уни чақириб олди.
71 У Довудни совлиқ қўй, қўзиларга чўпонликдан
олди.
Ўзининг халқи Исроилга,
Ёқуб наслига чўпон қилиб тайинлади.
72 Довуд уларга ҳалоллик билан чўпонлик қилди,
Моҳирлик билан уларни етаклаб борди.

78–САНО

Осиф саноси.*

1 Эй Худо, бегона халқлар
Танлаган юртингни босиб олди,
Улар муқаддас Маъбадингни булғади,
Қуддусни вайронага айлантирди.
2 Биз Сенинг қулларингмиз.
Улар қулларингнинг жасадларини
Қушларга емиш қилиб бердилар.
Тақводор халқингнинг этини
Заминдаги ёввойи ҳайвонларга бердилар.
3 Қуддус атрофларида улар қонимизни сувдай
тўкди,
Жасадларни дафн қилишга бирон зот
қолдирмади.
4 Қўшниларимиз олдида масхара бўлдик,
Атрофимиздагиларга кулги, ўйинчоқ бўлдик.

5 Эй Эгам, қачонгача биздан ғазабланасан? То

абадми?
Қачонгача рашкинг алангадай ёнади?
6 Сени тан олмайдиган халқлар узра,
Сенга сажда қилмайдиган шоҳликлар узра
Ғазабингни сочгин.
7 Улар халқинг Исроилни* еб битирди,
Юртини ташландиқ саҳрога айлантирди.

8 Бизга оталаримиз гуноҳларини эслатма,
Бизга тезда шафқатингни кўрсат,
Ахир, биз оёқ ости бўлиб кетдик–ку!
9 Ўз шуҳратинг ҳақи, бизга мадад бер,
Эй нажоткоримиз Худо!
Ўз номинг ҳақи, бизни қутқар,
Гуноҳларимизни кечир.
10 Нима учун бегона халқлар:
“Қаерда экан–а уларнинг Худоси”, дея айтмоғи
керак?!
Халқлардан ўч олганингни биз кўрайлик,
Ахир, улар бизнинг қонимизни тўккан.
11 Маҳбусларнинг фиғонини эшитгин,
Буюк қудратингни намойиш қилиб,
Ўлимга маҳкум бўлганларни қутқаргин.
12 Эй Раббий, қўшни халқлар Сени ҳақоратлагани
учун
Уларга етти баравар қайтаргин.
13 Биз Сенинг халқинг, яйловдаги сурувингмиз,
Сенга то абад шукур айтармиз,
Наслдан наслга Сени такрор мадҳ қилармиз.

79–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. “Нилуфар” куйига
айтиладиган Осиф* саноси.*

2-3 Тингла бизни, эй Исроилнинг Чўпони,
Юсуф наслини* қўй сурувидай етаклаб чиққан
Сенсан,
Карублар орасида тахт қургансан,
Эфрайим, Бенямин, Манаше* олдида нурингни
соч.
Қудратингни кўрсат, бизни қутқаргани кел.

4 Эй Худо, бизни олдинги ҳолимизга қайтаргин,
Жамолинг бизга нурларини сочсин, нажот
топайлик.

5 Эй Парвардигори Олам — Эгамиз,
Қачонгача ғазабланиб, ибодатимизни рад
этасан?
6 Кўз ёшлар бердинг бизга нон ўрнига,

Челак тўла кўз ёшларни бизга ичирдинг.
7 Қўшнилар биздан нафратланишига имкон
бердинг,
Душманларимиз бизни масхара қилмоқда.

8 Эй Парвардигори Олам, бизни олдинги
ҳолимизга қайтаргин,
Жамолинг бизга нурларини сочсин, нажот
топайлик.

9 Ток новдасини суғургандай,
Бизни Мисрдан келтирдинг.
Бегона халқларни қувиб, бизни ўтқаздинг.
10 Биз учун тупроқ тайёрладинг,
Илдиз отиб, юртни тўлдирдик.
11 Тоғлар бизнинг соямиз билан қопланди,
Баҳайбат садрлар ҳам новдаларимиз билан
қопланди.
12 Биз шохларимизни денгизгача* ёйдик,
Новдаларимиз Фурот дарёсигача чўзилди.
13 Нега энди боғнинг деворларини бузиб
ташладинг?
Ўтган–кетганлар меваларини юлсин дебми?
14 Ёввойи тўнғизлар уни хароб қилади,
Ёввойи жониворлар* ундан еб қорнини
тўйғизади.

15 Қайт яна бизга, эй Парвардигори Олам!
Назар солгин, қара самодан,
Бу ток новдасини қўриқлагин.
16 Ўнг қўлинг ўтқазган илдизни,
Ўзинг ўстирган новдани* қўриқлагин.
17 Ғанимларинг узум токингни қирққан эди,
Узум токингни оловда ёндирган эди,
Ғазабли боқишингдан улар йўқ бўлсин.
18 Ўзинг танлаганингга,
Ўзинг учун кучли қилган халққа* таянч бўлгин.
19 Шунда биз ҳеч қачон Сендан қайтмаймиз,
Сенга сажда қиламиз, бизга ҳаёт ато қил.

20 Эй Парвардигори Олам — Эгамиз,
Бизни олдинги ҳолимизга қайтаргин,
Жамолинг бизга нурларини сочсин, нажот
топайлик.

80–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Соз жўрлигида
айтиладиган Осиф* саноси.*

2 Худога, қудратимиз манбаига

Севинч билан куйланг!
Ёқубнинг Худосига шодлик ила ҳайқиринг!
3 Қўшиқ куйланг, доира чертинг,
Хушовоз лира, арфа чалинг.
4 Бурғу чалинг янги ой шодиёнасида,
Ой тўлганда, байрам кунимизда*.
5 Исроил учун бу қонундир,
Ёқуб Худосининг фармонидир.
6 Миср юрти устига бостириб борганда,
Худо буни Исроилга* қонун қилиб берди.

Мен нотаниш бир овозни эшитдим:
7 “Юкни олдим елкангиздан,
— дейди У. —
Қўлларингиз саватдан озод бўлди*.
8 Кулфатда Менга фарёд қилдингиз, сизни
қутқардим,
Булутлар орасидан сизларга жавоб бердим,
Марива сувлари бўйида* сизларни синадим.
9 Эшитинг, эй халқим, танбеҳ бераман сизга,
Эй Исроил, кошкийди қулоқ солсангиз Менга!
10 Орангизда бегона худолар бўлмасин,
Бошқа худоларга сажда қилманглар.
11 Мен сизларнинг Эгангиз Худоман,
Сизларни Миср юртидан Мен олиб чиққанман,
Оғзингизни катта очинг, Мен уни тўлдираман.

12 Эй халқим, сиз эса овозимга қулоқ
солмадингиз,
Эй Исроил, Менга итоат этишни рад этдингиз.
13 Ўз билганингизча яшанг, дея
Юракларингизни ўжарлигича қолдирдим.
14 Эҳ, қанийди сиз Менга қулоқ солсангиз,
Эй Исроил, Менинг йўлларимдан юрсангиз!
15 Тезда душманларингизни бўйсундирардим,
Сизнинг ғанимларингизга зарба берардим.
16 Мен, Эгангиздан нафратланганлар
Қўрқувдан титраб, тиз чўккан бўларди,
Уларнинг ҳалокати то абад давом этарди.
17 Сизларни буғдойнинг энг яхшиси билан
боқардим,
Қоядан асал чиқариб, сизларни тўйдирардим.”

81–САНО

Осиф саноси.*

1 Худо раислик қилар самодаги кенгашида*,
У ҳукм чиқарар худолар* орасида:
2 “Қачонгача сизлар ноҳақ ҳукм қиласиз?!
Фосиққа тарафкашлик қиласиз?!

3 Заиф, етимларга адолат кўрсатинг,
Мазлум, қашшоқларнинг ҳақини ҳимоя қилинг.
4 Заиф, муҳтожларни қутқаринг,
Фосиқнинг қўлидан уларни озод этинг.
5 Ҳеч нарсани билмайсиз, тушунмайсиз,
Сизлар зулматда юрасиз,
Заминнинг пойдевори* ларзага келади.
6 Айтдимки: ҳаммангиз худоларсиз,
Худойи Таолонинг ўғилларисиз.
7 Аммо оддий одамдай ўлиб кетасиз,
Ҳар қандай ҳукмдор каби қулайсиз.”

8 Қани, эй Худо, оламни ҳукм қил,
Зотан, ҳамма халқлар Сеникидир.

82–САНО

1 *Осиф* саноси. Қўшиқ.*

2 Эй Худо, сукут сақламагин,
Жимжит бўлма, эй Худо, жим турмагин.
3 Душманларинг шовқин–сурон солмоқда,
Ғанимларинг исён қилмоқда.
4 Айёрлик билан улар халқингга фитна қилади,
Сен ардоқлаганларга қарши қасд қилади.
5 Улар айтар: “Қани, ўша халқнинг илдизини
қуритайлик,
То абад унутилсин Исроилнинг номи.”

6-8 Эдомликлар ва Исмоил авлодлари,
Мўабликлар* ва Ҳожар насллари*,
Габол*, Оммон ва Омолек* халқлари,
Тир халқи билан Филистия*
Тил бириктириб, фитна қилади,
Сенга қарши иттифоқ тузади.
9 Лут насли* билан иттифоқ тузиб,
Оссурия ҳам уларга қўшилган эди.

10 Мидиёнларни жазолаганингдай* уларни
жазола,
Хишон дарёсида Сисаро, Ёбинни қирганингдай*
жазола.
11 Улар Эн–Дўрда ҳалок бўлгандилар,
Ерга ташланган гўнгдай бўлгандилар.
12 Орив ва Заёвдай* қилиб, уларнинг
йўлбошчиларини ўлдир,
Барча шаҳзодаларини Зевах ва Залмунодай*
қилгин.
13 Ахир, улар: “Худонинг ўтлоқларини
Ўзимизники қилиб олайлик”, дедилар.

14 Эй Худойим, уларни хазондай совургин,
Шамолдаги сомондай уларни учиргин.
15-16 Ўрмонни аланга ёндиргандай,
Уларни бўронларинг ила таъқиб қил.
Тепаликларни олов билан куйдиргандай
Уларни довулларинг ила даҳшатга сол.
17 Юзларини шармандаликдан қизартир,
Токи улар, эй Эгам, Сенга интилсин.
18 Улар доим шарманда бўлиб, қўрқувга тушсин,
Бадном бўлиб, йўқ бўлиб кетсин.
19 Улар билсин Эгамиз Сен эканингни,
Ер юзида буюк ҳукмдор ёлғиз Сен эканингни.

83–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Соз жўрлигида*
айтиладиган Кўрах наслининг саноси.*

2 Сенинг маконинг ажойибдир,
Эй Сарвари Олам!
3 Эй Эгам, Сенинг ҳовлингга кирмоқни
Жоним истар, ҳатто орзиқар.
Эй барҳаёт Худо! Қалбим, вужудим
Севинч ила Сенга куйлар.

4 Эй Сарвари Олам, Шоҳим, Худойим!
Қурбонгоҳинг ёнида чумчуқ ҳам бир уй топган,
Полапонларим учун жой топай дея,
Қалдирғоч ҳам ўзи учун бир ин қурган.
5 Бахтлидир Сенинг уйингда истиқомат
қиладиганлар,
Улар доим Сенга ҳамду сано айтарлар.

6 Бахтлидир Сендан қудрат олган одамлар,
Қуддусни чин дилдан зиёрат қилишга
интиладиганлар.
7 Қақраган сойликдан* улар ўтар эканлар,
Булоқлар оқа бошлар,
Илк ёмғир бу ерни сув ҳавзаларига* тўлдирар.
8 Улар юрган сари кучайиб борар,
Эй Худо, улар Қуддусда* ҳузурингда ҳозир бўлар.

9 Эй Парвардигори Олам — Эгам, эшит
ибодатимни,
Эй Ёқубнинг Худоси, тинглагин мени.
10 Эй Худо, қара шоҳга — қалқонимизга,
Ўзинг мой суртиб танлаганга лутф қилгин.

11 Сенинг ҳовлиларингда ўтган бир кун
Афзалдир бошқа ерда ўтган минг кундан.
Фосиқларнинг чодирларида яшагандан кўра,

Бўлсайдим, эй Худойим, Сенинг уйингда
дарвозабон.
12 Эй Парвардигор Эгам, қуёш ва қалқонсан,
Сен бизга меҳрибонлик кўрсатиб, шон–шуҳрат
ато этасан.
Эй Эгам, тўғри юрганлардан
Неъматингни дариғ тутмайсан.
13 Эй Сарвари Олам,
Сендан умид қилган одам бахтлидир!

84–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Кўрах наслининг* саноси.*

2 Эй Эгам, Ўз юртингга марҳамат кўрсатгансан,
Ёқуб наслини яна фаровонликка эриштиргансан.
3 Халқингнинг айбларини унутгансан,
Уларнинг гуноҳларини кечиргансан.
4 Бутун ғазабингни жиловладинг,
Қаҳру ғазабингдан қайтдинг.

5 Эй нажоткоримиз Худо,
Олдинги ҳолимизга бизни қайтаргин,
Бизга қарши бўлган ғазабингни тўхтатгин.
6 Сен биздан то абад ғазабланасанми?
Ғазабингни насллар оша сочаверасанми?
7 Халқим Менда севинч топсин дея,
Бизга яна янги ҳаёт бахш этмайсанми?
8 Эй Эгам, бизга содиқ севгингни кўрсат,
Бизга нажотингни ато қил.

9 Парвардигор Эгамиз айтаётганига қулоқ
соламан,
У Ўз халқига, Ўз тақводорларига тинчлик ваъда
қилаётир,
Энди улар бемаъни йўлларига* қайтмасин.
10 Шубҳасиз, Эгамиздан қўрққанларга
Унинг Ўзи нажот беришга тайёр туради,
Бизнинг еримизда Унинг улуғворлиги макон
топади.

11 Севги ва ҳақиқат учрашади,
Адолат, тинчлик бир–бири ила ўпишади.
12 Ҳақиқат заминдан ўсиб чиқади,
Адолат самодан туриб боқади.
13 Эгамиз чиндан неъматин ёғдиради,
Еримиз ўз ҳосилини беради.
14 Адолат Эгамизнинг олдида юради,
Унинг қадамлари учун йўл тайёрлайди.

85–САНО

Довуд ибодати.

[1] Тинглагин, эй Эгам, жавоб бер менга,
Мен муҳтож ҳамда йўқсилман.
[2] Тақводорман, жонимни асрагин,
Сенга умид қиламан, мен, қулингни қутқаргин.
Сен менинг Худойимсан.
[3] Шафқат қилгин менга, эй Раббий,
Кун бўйи Сенга илтижо қилмоқдаман.
[4] Мен, қулингга шодлик бахш этгин,
Эй Раббий, мен Сенга юрагимни очаман.
[5] Сен, эй Раббий, яхшисан, кечиримлисан,
Сенга илтижо қилганларга
Содиқ севгингни кўрсатасан.
[6] Ибодатимга қулоқ сол, эй Эгам,
Шафқат сўраб қилган илтижоимга диққат қил.
[7] Оғир кунда Сенга илтижо қиламан,
Илтижоларимга Сен жавоб берасан.

[8] Эй Раббий, худолар орасида
Ҳеч қайсиси Сенга ўхшамайди,
Биронта буюк ишни Сеники билан қиёслаб
бўлмайди.
[9] Жамики халқларни Сен яратгансан,
Эй Раббий, улар келиб, Сенга таъзим қилади,
Номингга шуҳрат келтиради.
[10] Зеро, Сен буюксан, мўъжизалар кўрсатасан,
Сен танҳо Худосан.
[11] Йўлингни менга кўрсат, эй Эгам,
Токи тўғри сўқмоқларингдан юрай,
Менга собит қалб бергин,
Мен Сендан қўрқайин.
[12] Эй Раббим Худо, бутун юрагим ила
Сенга шукур айтаман!
То абад Сенинг номингни улуғлайман.
[13] Менга бўлган содиқ севгинг ғоят буюкдир,
Ўликлар диёридан* жонимни қутқаргансан.

[14] Эй Худо, такаббурлар менга ҳужум қилмоқда,
Зўравонлар тўдаси жоним пайига тушган.
Улар Сенга асло эътибор бермайди.
[15] Сен, эй Раббий, раҳмдил ва иноятли,
Жаҳли тез чиқмайдиган Худосан,
Севгинг ва садоқатинг мўлдир.
[16] Ҳолимга боқ, меҳр–шафқат қил,
Мен қулингман, Ўз чўрингнинг ўғлиман.
Менга қудратингдан ато қил,
Мени қутқаргин.

17 Марҳаматинг аломатини менга кўрсатгин,
Токи ғанимларим буни кўриб, шарманда бўлсин.
Мени қўллаб, тасалли бергансан, эй Эгам.

86–САНО

1 *Кўрах наслининг* саноси. Қўшиқ.*

2 Эгамиз яратган шаҳар муқаддас тоғда* турибди,
Ёқуб наслининг барча масканларидан кўра,
Эгамиз Қуддус* дарвозаларини кўпроқ севади.
3 Эй Худонинг шаҳри!
Сен тўғрингда Худо ажойиб сўзлар айтган:
4 “Мени эътироф этадиганлар орасида
Мисрни*, Бобилни, Филистияни,
Тир* билан Ҳабашистонни* ҳам қайд этаман.
Одамлар уларни ҳам: «Қуддусда туғилган», деб
айтади.”

5 Ҳа, Қуддус ҳақида одамлар шу сўзни айтади:
“Ҳар бири ўша ерда туғилган,
Худойи Таолонинг Ўзи Қуддусни мустаҳкам
қилади.”
6 Эгамиз халқларнинг рўйхатини тузиб:
“Бу одам ҳам Қуддусда туғилган”, деб ёзади.
7 Хониш қилиб, рақс тушиб улар:
“Ҳаётим манбаи Сендадир”, деб айтади.

87–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Кўрах наслининг* саноси.
“Қайғу–алам” куйига айтиладиган қўшиқ. Зерах
уруғидан бўлган Хаманнинг қасидаси*.*

2 Эй Эгам, нажоткорим Худо,
Кеча–кундуз фарёд қиламан олдингда.
3 Ибодатим Сенга етиб борсин,
Қулоғингни додимга тутгин.

4 Ҳаётим кулфатга тўла,
Ўзим ўликлар диёрига* яқинлашганман.
5 Мени қабрга тушганлар орасида
ҳисоблайдилар,
Бемажолларга ўхшаб қолганман.
6 Мурдалар орасига ташланганман,
Қабрда ётган марҳумларга ўхшайман,
Сен мени ўшалардай унутгансан,
Улар Сенинг ҳимоянгдан маҳрумдирлар.
7 Сен ташладинг мени қабрнинг энг тубига,
Энг зулмат, чуқур жойларга.
8 Ғазабинг устимдан зилдай босади,

Қаҳринг тўлқинлари ила мени эзасан.

9 Яқин дўстларимдан мени айирдинг,
Уларга мени жирканч қилдинг,
Қамалиб қолганман, халос бўла олмайман.
10 Кўзларим нури ғамдан адойи тамом бўлди.
Эй Эгам, ҳар куни* Сенга илтижо қиламан,
Қўлларимни Сен томон чўзаман.
11 Мўъжизаларингни марҳумларга
кўрсатасанми?!
Мурдалар туриб, Сенга ҳамду сано айтармикан?!
12 Сенинг содиқ севгинг қабрда эълон
қилинарми?!
Ҳалокат диёрида* Сенинг садоқатинг ҳақида
айтиларми?!
13 Зулмат диёрида мўъжизаларинг маълум
бўларми?!
Унутилганлар маконида* одиллигинг ҳақида
сўйланарми?!

14 Эй Эгам, мен Сенга фарёд қиламан,
Ибодатим саҳарданоқ Сенга етиб боради.
15 Эй Эгам, нечун мени рад қиласан?
Нечун мендан юз ўгирасан?
16 Ёшлигимдан буён хастаман, ўлим билан
юзма–юзман,
Ваҳималаринг қаршисида умидсиз қолганман*.
17 Қаҳру ғазабинг мени эзиб ташлади,
Ваҳималаринг мени адойи тамом қилди.
18 Қаҳр–ғазабинг кун бўйи мени тўфондай ўраб
олади,
Мени ҳар тарафдан қуршаб олади.
19 Яқин дўстимдан, қўшнимдан мени айирдинг,
Фақат зулмат менинг шеригим бўлиб қолди.

88–САНО

1 *Зерах уруғидан бўлган Этханнинг қасидаси*.*

2 Сенинг содиқ севгингни, эй Эгам, то абад
куйлайман,
Барча наслларга садоқатингни ўз оғзим билан
эълон қиламан.
3 Биламан, Сенинг содиқ севгинг то абад
мустаҳкамдир,
Сенинг садоқатинг самолардай барқарордир.
4 Сен шундай дединг*:
“Ўзим танлаганим билан аҳд қилганман.
Ҳа, қулим Довудга қасамёд қилганман:
5 «Сенинг наслингни то абад мустаҳкам қиламан,
Тахтингни бутун авлодлар оша ўрнатаман.»”

6 Ажойиботларингга, эй Эгам, самолар ҳамду сано
айтсин,
Муқаддас малаклар Сенинг садоқатингни
куйласин.
7 Эй Эгам, самоларда Сенга тенглашадигани
бормикан?!
Илоҳий зотлардан* қайси бири Сенга ўхшаркан?!
8 Эй Худо, муқаддас малаклар даврасида*
ҳайбатлисан,
Тахтинг атрофидагиларнинг ҳаммасидан
қўрқинчлисан.
9 Эй Парвардигори Олам — Эгам,
Ким Сенчалик қудратли, эй Эгам?!
Садоқатинг атрофингни ўраган.
10 Асов денгизни йўлга солгувчи Сенсан,
Тўлқинлар қутурганда босгувчи Сенсан.
11 Жасадни эзгандай махлуқ Раҳобни* эздинг,
Қудратли қўлинг билан ғанимларингни
тарқатдинг.
12 Самолар Сеникидир, замин ҳам Сеникидир,
Оламу ундаги ҳар нарса Сеникидир,
Ҳаммасини Сен мустаҳкам қургансан.
13 Шимолу жанубни ҳам Сен яратгансан,
Товур, Хермон тоғлари*
Сенинг номинг туфайли шодликдан куйлайди.
14 Билагинг нақадар қудратлидир!
Қўлинг кучли, ўнг қўлинг музаффардир!
15 Адолат ва ҳаққониятдир тахтингнинг
пойдевори,
Олдингда юради севги ва садоқат.
16 Бахтлидир севинч ҳайқириқларини билган
халқ,
Эй Эгам, ҳузуринг нурида юрган халқ бахтлидир!
17 Сенинг номинг туфайли улар кун бўйи
севинади,
Сенинг адолатинг туфайли улар юксалади.
18 Зотан, Сен уларнинг кучи, шуҳратисан,
Қудратимиз юксалар Сенинг лутф–карамингдан.
19 Эй Эгам, қалқонимизни Сен танладинг,
Эй Исроил халқининг Муқаддас Худоси,
Сен бизга шоҳимизни бердинг.

20 Қадимда Сен тақводорларингга ваҳийда
айтдингки:
“Машҳур жангчига Мен куч бердим,
Халқ орасидан ёш йигитни юксалтирдим.
21 Қулим Довудни Мен топдим,
Муқаддас мойимни суртиб уни танладим*.
22 Менинг қўлим доим уни қувватлайди,

Билагим уни кучли қилади.
23 Ғаним уни алдай олмайди,
Золим уни қиса олмайди.
24 Унинг кўз ўнгида душманларини эзиб
ташлайман,
Уни ёмон кўрганларни қириб ташлайман.
25 Садоқатим, содиқ севгим у билан бўлади,
Мен туфайли унинг қудрати юксалади.
26 Унинг қудратини денгиз узра барқарор
қиламан,
Унинг ҳукмронлигини дарёлар узра ўрнатаман.
27 У Менга айтади: «Сен Отамсан!
Худойимсан, нажотим қояси Сенсан.»
28 Мен уни тўнғич ўғил қилиб оламан*,
Ер юзи шоҳларининг қудратлиси қиламан.
29 Унга бўлган чексиз севгимда то абад собит
тураман,
У билан қилган аҳдимни давом эттираман.
30 Унинг наслини то абад мустаҳкам қиламан,
Унинг тахти осмон тургунча туради.
31 Борди–ю, унинг насли қонунимдан юз ўгирса,
Менинг қоидаларим бўйича улар юрмасалар,
32 Агарда фармонларимни бузсалар,
Менинг амрларимга риоя этмасалар,
33 Уларни итоатсизлиги учун хивич билан
жазолайман,
Гуноҳи учун уларни таёқ билан жазолайман.
34 Довуддан эса севгимни дариғ тутмайман,
Садоқатимга асло хиёнат этмайман.
35 Мен аҳдимни бузмайман,
Айтган сўзимдан асло қайтмайман.
36 Муқаддас номим ҳақи илк ва сўнг марта онт
ичдим,
Довудни Мен асло алдамайман.
37 Унинг насли то абад давом этади,
Унинг тахти қаршимда қуёш каби туради.
38 Ойга, самолардаги ўша содиқ гувоҳга ўхшаб,
Тахти то абад маҳкам туради.”

39 Энди эса, эй Эгам, Сен уни нафрат билан рад
этдинг,
Ўзинг шоҳ қилиб танлаганингдан ғоят
ғазабландинг.
40 Мен — Ўз қулинг билан қилган аҳдингдан
қайтдинг,
Унинг тожини Сен тупроққа қординг.
41 Шаҳарларининг ҳамма деворларини
қулатдинг,
Қалъаларини вайронага айлантирдинг.

42 Йўлдан ўтаётганларнинг ҳаммаси уни талади,
Қўшни халқларга у масхара бўлди.
43 Шоҳимизнинг душманларини ғолиб қилдинг,
Унинг ҳамма ғанимларини севинтирдинг.
44 Қиличининг дамини қайтардинг,
Жангда унга Сен мадад бермадинг.
45 Унинг улуғворлигига Сен чек қўйдинг,
Тахтини ерга улоқтириб юбординг.
46 Ёшлик кунларини қисқартирдинг,
Уни шармандаю шармисор қилдинг.

47 Эй Эгам, бу қачонгача давом этади?
Ўзингни биздан то абад яширасанми?
Қачонгача ғазабинг оташ каби ёнади?
48 Эсингда тут, ҳаётим нақадар қисқа,
Не учун инсонни беҳуда яратдинг?!
49 Қайси инсон ўлимни кўрмас экан?!
Ким ўликлар диёри* чангалидан омон қолар
экан?!
50 Эй Раббий, қани олдинги буюк севгинг?
Садоқатинг ила буни Довудга ваъда берган
эдинг–ку!
51 Эй Раббий, мен, қулинг, қанчалар масхара
бўлганимни* ёдингда тут.
Ҳамма халқларнинг ҳақоратларини бағримда
кўтариб юрибман–ку!
52 Эй Эгам, душманларинг танлаган шоҳингни
масхаралаганини,
Унинг ҳар бир қадамини таҳқир этганларини
ёдда тут!

53 Эгамизга то абад олқишлар бўлсин!

Омин! Омин!

89–САНО

1 *Худо одами Мусонинг ибодати.*

2 Эй Раббий, насллар оша
Сен паноҳимиз бўлган эдинг.
3 Тоғлар ҳали пайдо бўлмасдан олдин,
Еру оламни яратмасингдан олдин,
Абадулабад Сен Худосан.
4 Сен инсонни тупроққа қайтарасан*,
“Қайтинглар тупроққа, эй бандалар”, деб
айтасан.
5 Минг йил Сенинг назарингда бир кундайдир,
Қисқа бир тун вақтидайдир.

6 Сен одамларни супуриб ташлайсан,

Улар гўё тушга ўхшайди.
Улар тонгда унган янги майса кабидир.
Тонгда майса янгидан ўсиб чиқса ҳам
Оқшомда сўлиб, хазон бўлади.

7 Сенинг ғазабингдан адойи тамом бўлдик,
Қаҳрингдан биз ваҳимага тушдик.
8 Гуноҳларимизни Сен олдингга келтирдинг,
Яширин гуноҳларимизни нурларинг ёритиб
туради.

9 Кунларимиз Сенинг ғазабинг остида ўтади,
Йилларимиз бир оҳ каби, тез ниҳоясига етади.
10 Кунларимиз етмиш йил экан,
Агар бардам бўлсак, саксон йил экан.
Энг ажойиб йиллар заҳмат, жафо билан
кечаркан,
Умримиз тез ўтар, ўзимиз учиб кетармиз.

11 Сенинг ғазабинг қудратини ким била олар?!
Қаҳринг, Ўзингга лойиқ қўрқув каби буюкдир.
12 Умримиз кунларини санашни бизга ўргатгин,
Токи биз доно қалбга эга бўлайлик.

13 Кел, эй Эгам! Қачонгача кутамиз?!
Ўз қулларингга шафқат қилгин!
14 Саҳарда содиқ севгинг билан бизни қондиргин,
Умримиз бўйи қўшиқ айтиб, хурсанд бўлайлик.
15 Кулфатлар кўрдик кўп кунлар,
Бизни қайғуга гирифтор қилдинг қанча йиллар,
Ўша кунлар эвазига бизни хурсанд қил.
16 Биз, Ўз қулларингга қудратли ишларингни
кўрсатгин,
Бизнинг наслимиз улуғворлигингни кўрсин.
17 Эй Раббимиз Худо, лутф–караминг бизга ёр
бўлсин,
Қилган ишимиз бароридан келсин,
Ҳа, ишларимизга барака бергин!

90–САНО

1 Худойи Таоло паноҳида яшайдиганлар
Қодир Худо соясида ором топар.
2 Мен Эгамга шундай дейман:
“Сен паноҳимсан, қалъамсан,
Мен умид боғлаган Худойимсан.”

3 Албатта У халос этар сени овчининг тузоғидан,
Халос этар сени қирғин келтирувчи вабодан.
4 Сени У қанотлари остига олар,
Унинг паноҳида бехатар бўласан,

Садоқати билан сенга қалқон, девор бўлар.
5 Шунда қўрқмайсан туннинг ваҳимасидан,
Қўрқмайсан кундузи учган ўқдан,
6 Зулматда билдирмай келадиган вабодан,
Қоқ пешинда қирғин келтирувчи ўлатдан.

7 Мингтаси чап ёнингда йиқилиб қолади,
Ўн мингтаси ўнг ёнингда йиқилиб қолади,
Аммо бу кулфатлар сенга яқин келмайди.
8 Фақат кўзларингни оч, шунда кўрасан
Фосиқнинг қандай жазо олганини.

9-10 Агар Эгамизни паноҳинг қилсанг,
Бошингга бирон бахтсизлик келмас.
Худойи Таолони қўрғонинг қилсанг,
Бирон фалокат чодирингга йўламас.
11 У сен тўғрингда фаришталарига амр беради,
Фаришталар ҳамма йўлларингни қўриқлайди.
12 Оёғинг тошга қоқилиб кетмасин дея,
Фаришталар қўлларида сени кўтариб боради.
13 Шер ва заҳарли илон* устидан босиб ўтасан,
Йиртқич шер, илонни оёғинг билан эзасан.

14 Эгамиз шундай дейди:
“У Мени яхши кўргани учун
Мен уни қутқараман.
Мени билгани учун
Мен уни ҳимоя қиламан.
15 У илтижо қилганда Мен жавоб бераман,
Оғир кунларида у билан бирга бўламан,
Уни қутқариб, унга иззат кўрсатаман.
16 Узоқ умр бериб, уни мамнун қиламан,
Унга нажот бераман.”

91–САНО

1 *Сано. Шаббат куни айтилган қўшиқ.*

2 Эй Эгам, Сенга шукур айтмоқ яхшидир,
Эй Худойи Таоло, Сенга ҳамду сано куйламоқ
яхшидир.
3 Эълон қилмоқ яхшидир субҳидамда содиқ
севгингни,
Эълон қилмоқ яхшидир кечалари садоқатингни.
4 Яхшидир айтмоқ буларни мусиқа чалиб
Ўн торли асбобда, лирада, арфа жўрлигида!
5 Эй Эгам, қудратли ишларингдан мен шодман,
Қилган ишларингдан хурсанд бўлиб куйлайман.

6 Эй Эгам, ишларинг нақадар буюкдир!
Ўйларинг жуда ҳам терандир!

7 Ақлсиз кимса буни била олмайди,
Аҳмоқ кимса буни тушуна олмайди:
8 Гарчи фосиқлар майса каби униб чиқса ҳам,
Бадкирдорлар гуллаб–яшнаса ҳам,
Улар то абад йўқ бўлади.
9 Сен–чи, эй Эгам, то абад улуғворсан.
10 Эй Эгам, душманларинг албатта йўқ бўлади,
Улар шубҳасиз ҳалок бўлади.
Бадкирдорларнинг ҳаммаси тарқалиб кетади.
11 Мени ёввойи буқадай кучли қилдинг,
Қудратинг билан менга қайтадан куч ато
этдинг*.
12 Душманларим мағлубиятин кўзларим кўрди,
Бадкирдорлар заволин қулоқларим эшитди.

13 Солиҳлар пальма дарахтидай гуллаб–яшнайди,
Лубнондаги садр дарахтидай* юксалади.
14 Улар Эгамизнинг уйига ўтқазилган,
Худойимизнинг ҳовлисида улар яшнайди.
15 Кексаликда ҳам ҳамон ҳосил беради,
Ям–яшил, навқирон бўлиб тураверади.
16 Улар биргаликда шундай деб эълон қилади:
“Эгамиз одилдир! У менинг суянган қоямдир,
Унда ноҳақлик йўқдир.”

92–САНО

1 Эгамиз Шоҳдир, У улуғворликка бурканган,
Улуғворликка бурканиб, қудрат билан
қуролланган.
Оламни мустаҳкам ўрнатган, олам асло
тебранмас.

2 Сенинг тахтинг қарор топган азалдан,
Сен Ўзинг мавжудсан азалдан.
3 Денгизлар гувилламоқда, эй Эгам,
Денгизлар ҳайқирмоқда, эй Эгам,
Денгизлар тўлқинларини кўтармоқда.
4 Юксакдаги Эгамиз денгиз тўлқинларидан ҳам
қудратлироқдир,
Баҳайбат сувларнинг пишқиришидан ҳам
қудратлироқдир.
5 Сенинг фармонларинг собитдир,
Уйингга муқаддаслик зийнатдир
Абадулабад, эй Эгам!

93–САНО

1 Эй Эгам, Сен қасоскор Худосан,
Эй қасоскор Худо, нурингни соч!
2 Қани, бўл, эй ер юзини ҳукм этгувчи,

Мағрурларнинг жазосини бер.
3 Қачонгача фосиқлар тантана қилар?
Эй Эгам, қачонгача?

4 Оғизларидан баландпарвоз сўзлар отилиб
чиқяпти–ку!
Ҳамма бадкирдорлар мақтаняпти–ку!
5 Эй Эгам, улар халқингни эзяпти,
Ўзинг танлаган элатингга зулм қиляпти.
6 Бева, мусофирни улар ўлдиряпти,
Етимларни йўқ қиляпти.
7 Улар айтяпти: “Эгамиз кўрмас,
Ёқубнинг Худоси эътибор бермас.”

8 Тушуниб олинг, эй халқ орасидаги тентаклар.
Қачон сизларга ақл кирар, эй аҳмоқлар?!
9 Қулоқни яратган эшитмайдими?!
Кўзни ато этган кўрмайдими?!
10 Халқларга танбеҳ берувчи жазоламайдими?!
Унинг Ўзи инсонга ўргатади–ку!
11 Эгамиз инсоннинг ниятини англайди,
Ниятларимиз беҳудалигини билади.

12 Эй Эгам, бахтлидир Сенинг танбеҳингни
олганлар,
Бахтлидир Сенинг қонунингдан ўрганувчилар.
13 Ёмон кунлардан уларни Сен омон сақлайсан.
Фосиқ учун чуқур қазилгунча улар омон
бўладилар.
14 Эй Эгам, Ўз халқингни тарк этмайсан,
Ўзинг танлаган элатингни ташлаб қўймайсан.
15 Ҳукмнинг асоси яна адолат бўлади,
Жамики покдиллар адолатни
қўллаб–қуватлайди.

16 Фосиқлардан ким мени ҳимоя қилади?
Бадкирдорларга қарши ким мен томон бўлади?
17 Эй Эгам, агарда Сен менга ёрдам
бермаганингда,
Менинг жоним тезда ўлим сукунатига чўкарди.
18 “Оёқларим қоқилади”, деб ўйлаганимда,
Эй Эгам, содиқ севгинг мени қўллади.
19 Ичим хавотирга тўлиб кетганда,
Сен берган тасалли менга қувонч келтирди.

20 Золим ҳукмдорлар Худога шерик бўларми?!
Ахир, улар фармонлари билан кулфат
келтиради–ку!
21 Улар солиҳларга қарши бирлашади,
Гуноҳсизларни ўлимга маҳкум этади.

22 Аммо Эгам менинг қалъамдир,
Менинг паноҳ қоям Худодир.
23 Фосиқлиги учун Эгамиз уларни қириб
ташлайди,
Гуноҳлари учун жазосини беради.
Ҳа, Эгамиз Худо уларни илдизидан қуритади.

94–САНО

1 Келинглар, севинч ила Эгамизни куйлайлик,
Нажотимиз Қоясига шодлик ила ҳайқирайлик.
2 Шукрона айтиб, Унинг ҳузурига борайлик,
Унга қўшиқлар айтиб, шодликдан ҳайқирайлик.
3 Зотан, Эгамиз улуғ Худодир,
Жамики худолар устидан улуғ Шоҳдир.
4 Заминнинг энг чуқур жойлари Унинг
қўлидадир,
Тоғларнинг чўққилари ҳам Уникидир.
5 Уникидир Ўзи яратган денгиз ҳам,
Қўли барпо қилган қуруқ ер ҳам.

6 Келинглар, таъзим қилиб, сажда этайлик,
Яратган Эгамиз олдида тиз чўкайлик.
7 У Худойимиздир, биз Унинг яйловидаги
халқмиз,
Биз Унинг қўл остидаги қўйлармиз.

Эгамиз шундай дейди:
“Қанийди, бугун Менинг овозимга қулоқ
солсангиз!
8 Оталарингиз каби тош юрак бўлманглар.
Маривада, саҳродаги Массахда* улар қилган
ишни қилманглар.
9 Оталарингиз Менинг ишларимни кўрса ҳам,
У ерда Мени синаб кўрдилар.
10 Қирқ йил у наслдан нафратланиб*,
Шундай дедим: «Бу халқ Мендан юз ўгиради,
Амрларимга бўйсунишдан бош тортади.»
11 Шу боис ғазабланиб, онт ичдим:
«Улар фароғат диёримга кирмайди», дедим*.”

95–САНО

1 Эй олам, Эгамизни тараннум этинг!
Эгамизга янги бир қўшиқ айтинг.
2 Эгамизни тараннум этинг,
Унга олқишлар бўлсин,
Унинг берган нажотидан ҳар куни сўйланг.
3 Эълон қилинг элатлар орасида Унинг
шуҳратини,
Жамики халқлар орасида Унинг

ажойиботларини.
4 Эгамиз буюкдир, кўп мақтовга лойиқдир,
Жамики худолардан У иззатлидир.
5 Зотан, халқларнинг ҳамма худолари бутлардир,
Эгамиз эса самоларни яратгандир.
6 Шуҳрату улуғворлик Унинг ҳузуридадир,
Қудрату гўзаллик Унинг муқаддас
масканидадир.

7 Эгамизга ҳамдлар айтинг, эй замин халқлари!
Эгамизнинг қудратию шуҳратига ҳамдлар ўқинг!
8 Эгамизнинг шарафига санолар айтинг!
Назрлар келтириб, Унинг ҳовлисига киринг!
9 Муқаддас улуғворликка бурканган Эгамизга
сажда қилинг!*
Эй замин аҳли, Унинг олдида титраб туринг!
10 Элатлар орасида айтингки: “Эгамиз Шоҳдир!
Олам мустаҳкам ўрнашган, ҳеч қачон
тебранмайди,
У халқларни ҳаққоний ҳукм қилар.”
11 Самолар шод бўлсин, замин қувонсин,
Денгизу ундаги ҳамма жонзот гувилласин.
12 Далалару ундаги ҳар нарса севинч ила жўшсин,
Ўрмондаги ҳамма дарахт шодликдан қўшиқ
айтсин.
13 Эгамиз олдида улар қўшиқ айтар, ана, У
келаётир,
Заминни бошқармоқ учун У келаётир,
Оламни адолат ила У бошқарар,
Халқларни Ўз ҳақиқати ила бошқарар.

96–САНО

1 Эгамиз Шоҳдир, замин қувонсин,
Денгиз ортидаги ҳамма юртлар шод бўлсин.
2 Булутлар, зимзиё зулмат Унинг атрофини
ўраган,
Адолату ҳақиқат Унинг тахтига пойдевор бўлган.
3 Эгамиз оловини Ўзидан олдин юборади,
Олови ҳар тарафдаги душманларни ютади.
4 Чақмоқлари оламни ёритади,
Замин буни кўриб титрайди.
5 Бутун оламнинг Раббийси олдида,
Эгамиз олдида тоғлар мумдай эрийди.

6 Самолар эълон қилади Унинг адолатини,
Жамики халқлар кўради Унинг улуғворлигини.
7 Бутларга сажда қилувчилар,
Беҳуда санамлари ила мақтанувчилар
Шарманда бўлади.

Барча худолар Эгамизга таъзим қилади.

8 Эй Эгам! Сенинг адолатингдан
Яҳудо шаҳарлари шод бўлади,
Қуддус* эшитиб, қувонади.
9 Эй Эгам, ер юзидаги буюк ҳукмдор Сенсан,
Ҳамма худолардан Сен юксалгансан.

10 Эй Эгамизни севганлар!
Ёмонликдан нафратланинг.
У тақводорларининг жонларини Ўзи асрайди,
Фосиқларнинг қўлидан уларни халос этади.
11 Солиҳларга нур сочилгай,
Юраги поклар узра шодлик ёйилгай.
12 Эй солиҳлар, Эгамиз туфайли шодланинг,
Унинг муқаддас номини олқишланг!

97–САНО

Сано.

1 Янги бир қўшиқ айтинг Эгамизга!
Ахир, У ажойиб ишлар қилди.
Ўзининг ўнг қўли, муқаддас билаги билан зафар қозонди.
2 Эгамиз зафарининг донғини таратди,
Халқларга нажотини намоён қилди.
3 Исроил халқига бўлган севгисию садоқатини ёдида тутди.
Ернинг тўрт томони Худойимиз берган нажотни кўрди.

4 Эй замин аҳли, Эгамизни олқишлаб, хитоб қилинг,
Севинчли куй–қўшиқлар ила Унга хитоб қилинг.
5 Лира чалиб, Эгамизга ҳамду сано куйланг,
Лира чалиб, қўшиқлар айтинг.
6 Карнайу бурғуларни чалинг,
Шоҳни — Эгамизни олқишлаб, хитоб қилинг.

7 Жўш урсин денгизу ундаги ҳамма жонзот,
Жўш урсин оламу унда яшовчи ҳамма махлуқот.
8 Эгамиз олдида дарёлар қарсак чалсин,
Қирлар бирга шодланиб қўшиқ айтсин.
9 Зотан, Эгамиз ерда ҳукм этгани келмоқда,
У оламни тўғри ҳукм этади,
Адолат ила халқларни ҳукм қилади.

98–САНО

1 Эгамиз Шоҳдир, халқлар титрасин!
Карублар орасида тахт қурган У!

Замин ларзага келсин!
2 Эгамиз Қуддусда* улуғдир,
Жамики халқлар узра юксакдадир.
3 Унинг номи улуғ, ҳайбатлидир!
Ҳамма Уни мадҳ қилсин,
Зеро, муқаддасдир У!

4 Шоҳ қудратлидир, адолатпарвардир,
У одилликни ўрнатган!
Ёқуб насли орасида
Адолатли ва тўғри ҳукм чиқарган!
5 Эгамиз Худони улуғланглар!
Унинг пойига сажда қилинглар.
Зеро, муқаддасдир У!

6 Мусо ва Ҳорун Унинг руҳонийларидан эди,
Шомуил ҳам Эгамизга илтижо қилганлардан
бири эди.
Улар Эгамизга илтижо қилди, У жавоб берди.
7 Устун шаклидаги булут ичра улар билан
гаплашди,
Улар Эгамизнинг фармонларига
Ҳамда У берган қонунларига риоя қиларди.

8 Уларга жавоб бердинг, эй Эгамиз Худо!
Сен уларни кечирувчи Худо бўлдинг,
Уларни жазоладинг ёмон йўлдан кетганларида.

9 Улуғланглар Эгамиз Худони!
Сажда қилинг Унга муқаддас тоғида*.
Зеро, муқаддасдир Эгамиз Худо!

99–САНО

Шукроналик саноси.

1 Эй замин аҳли, Эгамизга шодлик ила ҳайқиринг,
2 Хурсанд бўлиб Эгамизга сажда қилинг,
Шодланиб, қўшиқ айтиб, Унинг ҳузурига келинг.

3 Билингки, Эгамиз Худодир,
Бизни яратган Удир, биз Уникимиз.
Биз Унинг халқимиз, яйловидаги қўйларимиз.

4 Шукрона айтиб, дарвозаларидан киринг,
Ҳамду сано айтиб, ҳовлиларига киринг.
Шукрона айтиб, Унинг номини олқишланг!

5 Эгамиз яхшидир,
Унинг содиқ севгиси абадий давом этади,
Садоқати эса барча наслларга ўтади.

100–САНО

Довуд саноси.

1 Садоқатингни, адолатингни куйлайман,
Сени, эй Эгам, тараннум этаман.
2 Бенуқсон ҳаёт кечиришни ўрганаман,
Қачон бунга эришаман?

Пок юрак ила ўз уйимда умр кечираман.
3 Ҳеч қандай ёвузликка йўл қўймайман.
Қинғир ишлардан нафратланаман,
Мен уларга ҳеч қўшилмайман.
4 Терс ишларни рад қиламан,
Ёмонлик мендан узоқ бўлади.
5 Дўсти ортидан ғийбат қиладиганни йўқ
қиламан,
Такаббурлик билан қарайдиган кўзларга,
Мағрур юракка асло тоқат қилмайман.

6 Ёнимда истиқомат қилсинлар дея,
Юртимнинг содиқ одамларига хайрихоҳ
бўламан.
Тўғри йўлдан юрадиган инсон
Менга хизмат қилади.
7 Ҳийлагарлар менинг саройимда қолмайди,
Ёлғончилар қаршимда турмайди.
8 Ҳар саҳарда юртдаги фосиқларни қираман,
Эй Эгам, Сенинг шаҳрингдан бадкирдорларни
йўқ қиламан.

101–САНО

1 *Дард–аламга ботганда, арзини Эгамиз олдига тўккан ғарибнинг ибодати.*

2 Эшитгин ибодатимни, эй Эгам,
Етиб борсин Сенга оҳу нолам.
3 Кулфатда қолганимда мендан юз ўгирма,
Менга қулоқ тутгин.
Чақирганимда менга тез жавоб бергин.
4 Умрим тутундай ўтиб кетди,
Иситмадан бутун танам ёниб кетяпти.
5 Юрагим қуриган ўтдай хазон бўлди,
Бирор нарса ейишга истак йўқолди.
6 Фарёд қилиб оҳ–нола чекаман,
Шу боис этим суягимга ёпишган.
7 Даштдаги қушга ўхшайман,
Вайронадаги бойўғли кабидирман.
8 Бедор бўлиб ётаман,
Томда ёлғиз қолган қушга ўхшайман.

9 Ғанимларим доимо мени ҳақорат қилади,
Мени масхараловчилар
Исмимни лаънат ўқиш учун ишлатади.
10 Кулни нон каби емоқдаман,
Ичимлигимга кўз ёшларимни қўшмоқдаман.
11 Сенинг қаҳру ғазабинг туфайли шундай
қиляпман,
Ахир, мени кўтариб, бир ёнга улоқтирдинг.
12 Оқшомги кўланкага ўхшайди умрим,
Қуриган майсадай бўлиб қолдим.

13 Сен эса, эй Эгам, то абад ўтирасан тахтингда,
Насллар оша Сенинг номинг давом этар!
14 Қўзғалиб, шафқат кўрсатасан Қуддусга*,
Унга марҳамат кўрсатиш вақти келди,
Белгиланган вақти–соати етиб келди.
15 Унинг тошлари ҳам Сенинг қулларинг учун
қимматбаҳодир,
Қуддуснинг ҳатто тупроғига ҳам меҳрибонлик
қиламиз.

16 Халқлар Эгамиздан қўрқади,
Унинг шуҳратидан ер юзи шоҳлари титрайди.
17 Зеро, Эгамиз Қуддусни барпо қилади,
Ўзининг шуҳрати ила зоҳир бўлади.
18 Йўқсилларнинг ибодатига У эътибор беради,
Уларнинг илтижоларини рад этмайди.

19 Ҳали туғилмаган халқ ҳам Эгамизга ҳамду сано
айтсин,
Келажак насл учун бу ёзиб қўйилсин:
20-21 Асирларнинг ноласига қулоқ солай деб,
Эгамиз юксакдаги муқаддас маконидан қаради.
Ўлимга маҳкум бўлганларни қутқарай деб,
У осмондан заминга назар ташлади.
22 Шу боис Эгамизнинг донғи Қуддусда эълон
қилинсин,
Унга Сионда ҳамду сано айтилсин.
23 Эгамизга бирга сажда қилгани
Халқлару шоҳликлар йиғилади.

24 Ҳали ёш пайтимда Эгам мени заиф қилди,
Кунларимни Унинг Ўзи қисқартирди.
25 Унга фарёд қилдим: “Эй Худойим,
Ёш умримни хазон қилмагин,
Барча насллар оша Сен доимо борсан.
26 Азалда заминнинг пойдеворини* Сен
қўйгансан,
Самоларни Ўз қўлларинг ила яратгансан.
27 Улар йўқ бўлиб кетар, Сен тураверасан,

Еру осмон кийим каби эскириб кетади,
Тўзиб кетган кийимдай уларни алмаштирасан,
Ҳаммасини ташлаб юборасан.
28 Сен эса ҳеч ўзгармассан,
Сен то абад яшайсан.
29 Қулларингнинг фарзандлари хавфсиз яшар,
Уларнинг насли Сенинг ҳузурингда барқарор
бўлар.”

102–САНО

Довуд саноси.

1 Эгамизни олқишлагин, эй жоним,
Унинг муқаддас номини олқишла, эй вужудим!
2 Эгамизни олқишлагин, эй жоним,
Унинг қилган ҳамма яхшиликларини унутмагин!
3 Ҳамма гуноҳларимни У кечиради,
Барча хасталикларимга У шифо беради.
4 Мени қабрдан У қутқаради,
Севги, шафқат ила менга тож кийгизади.
5 Ҳаётимни* неъмат ила У қондиради,
Ёшлигим бургутнинг кучидай янгиланади.

6 Эгамиз тўғри иш қилади,
Мазлумларга адолат қилади.
7 Ўз йўлларини У Мусога маълум қилган,
Ишларини Исроил халқига намоён этган.
8 Эгамиз раҳмдил, иноятлидир,
Жаҳли тез чиқмайди, содиқ севгиси мўлдир.
9 У доимо бизни айбламайди,
Ёки то абад ғазабини сочмайди.
10 Бизни У гуноҳларимизга қараб жазоламас,
Ёмонликларимизга қараб қайтармас.
11 Самолар заминдан нақадар баланддир!
Эгамизнинг содиқ севгиси ҳам
Ундан қўрққанларга шундай юксакдир!
12 Шарқ ғарбдан қанчалик узоқ бўлса,
Гуноҳларимизни биздан шу қадар узоқ қилади.
13 Ота болаларига шафқат қилгандай,
Эгамиз Ўзидан қўрққанларга раҳм қилади.
14 Биз қандай ясалганимизни У билади,
Биз тупроқ эканимизни* У ёдида тутади.

15 Инсонмиз, майсага ўхшар умримиз,
Дашт гулига ўхшаб гуллаймиз.
16 Шамол эсар, майса йўқ бўлар,
Уни ўз жойи эсламай қўяр.
17 Аммо Эгамизнинг содиқ севгиси
Абадулабад Ундан қўрққанлар билан биргадир!
Унинг содиқлиги эса уларнинг наслига ўтади.

18 Ҳа, Эгамиз содиқ қолади Унинг аҳдига риоя
қилганларга,
Унинг амрларига садоқат ила итоат этганларга.

19 Эгамиз тахтини ўрнатгандир самода,
Унинг шоҳлиги ҳукмрондир ҳамма ерда.
20 Эгамизни олқишланг, эй Унинг фаришталари,
Унинг амрини ижро қилувчи баҳодирлар,
Унинг сўзларига итоат этувчилар!
21 Эй Эгамизнинг самовий лашкарлари!
Унинг иродасини ижро этувчи хизматкорлари!
Эгамизни олқишланг!
22 Эй Эгамиз яратганларнинг ҳаммаси!
У ҳукмрон бўлган ҳар бир жойда
Уни олқишланглар!
Эй жоним! Эгамизни олқишла!

103–САНО

1 Эгамни олқишла, эй жоним.

Эй Эгам Худо! Сен нақадар буюксан,
Шуҳрату улуғворликка буркангансан.
2 Ёпинчиққа ўралгандай нурга чулғангансан,
Самоларни бир чодир каби ёйгансан.
3 Осмондаги сувлар* узра даргоҳингни қургансан,
Булутларни жанг араваси қиласан,
Шамол қанотларини миниб кетасан.
4 Шамолларни Ўзингга хабарчилар қиласан,
Ловуллаган оловни хизматкорларинг этасан.

5 Ҳеч қачон тебранмасин дея,
Сен заминнинг пойдеворини* қўйгансан,
6 Заминни либосга ўрагандай,
Тубсиз сувлар ила ўраган эдинг,
Ҳатто тоғлар чўққисини сувлар кўмган.
7 Сенинг таҳдидларингдан сувлар чекинар,
Сен гумбурлатган садодан улар қочар.
8 Сувлар тоғлар устидан, водий бўйлаб оқар
Сен улар учун тайин этган жойга.
9 Бу сувлар тошмасин деб,
Яна ер юзини қайта қопламасин деб,
Сен чегара қўйгансан!

10 Булоқларни тоширдинг Сен сойликлардан,
Булоқлар оқиб келар тоғлар орасидан.
11 Жамики ёввойи ҳайвонларни булоқлар
суғоради,
Ёввойи эшаклар ташналигини қондиради.
12 Оқар сувлар бўйида қушлар ин қуради,
Шохлар орасидан улар сайрайди.

13 Тоғларни суғорасан юқоридаги даргоҳингдан.
Замин тўла Сен ўстирган мева билан.

14 Чорва учун Сен ўт–ўлан ўстирасан,
Инсон фойдалансин деб, экинлар ўстиргансан,
Егулигини тупроқдан олсин, дейсан.
15 Сен берасан инсон кўнглини чоғ қилувчи
шаробни,
Юзга жило берувчи зайтун мойини,
Инсон ҳаётига қувват берувчи нонни.
16 Эй Эгам, Сенинг дарахтларинг,
Ҳа, Ўзинг Лубнонда эккан садр дарахтларинг*
Сувга яхши қонади.
17 Қушлар дарахтларда уя қуради,
Сарв дарахтида лайлак уй қилади.
18 Тоғ эчкиси баланд тоғларда яшар,
Бўрсиқлар эса қояларда уя қурар.
19 Вақтни белгиласин деб, ойни яратдинг,
Қуёш ҳам билади қачон ботишин.
20 Қоронғилик чўктирганингда, тун бўлар,
Ўрмондаги бор ҳайвон кезгани чиқар.
21 Шерлар ўлжа ахтариб бўкирар,
Ўз ризқ–рўзини, эй Худо, Сендан излар.
22 Қуёш чиқар, улар ортга қайтарлар,
Ўзларининг инларида ётарлар.
23 Одамлар ўз ишларига чиқарлар,
Оқшомгача юмушлари ила банд бўларлар.

24 Эй Эгам, ишларинг ғоят турли–тумандир!
Ҳаммасини донолик ила яратгансан,
Замин Сен яратганларинг ила тўладир.
25 Мана, буюк, бепоён денгиз,
Сон–саноқсиз яратилганлар билан тўла,
Катта–кичик жониворлар бор.
26 Кемалар денгизларда қатнайди.
Сувларда ўйнасин дея,
Ўша махлуқ Левитанни* яратгансан.

27 Эй Эгам! Ўз вақтида ризқимизни берсин дея,
Уларнинг ҳаммаси Сенга кўз тикади.
28 Уларга ризқини берганингда, йиғиб олади,
Қўлларингни очганингда, улар еб тўяди.
29 Юзингни яширганингда эса улар ваҳимага
тушади,
Жонларини олганингда, ўлиб, тупроққа қайтади.
30 Руҳингни* юборганингда улар яратилади,
Ер юзига янгидан ҳаёт берасан.

31 Эгамизнинг шуҳрати то абад давом этсин,
Эгамиз Ўз яратганларидан хурсанд бўлсин.

32 Ерга У боққанда, ер титрар,
Тоғларга текканда, тоғлар тутун чиқарар.
33 Ҳаёт эканман, Эгамни тараннум этаман,
Бор эканман, Худойимга ҳамду сано куйлайман.
34 У ҳақидаги ўйларим хуш келсин Унга,
Зотан, севинаман мен Эгам туфайли.
35 Ер юзидан йўқ бўлсин гуноҳкорлар,
Бўлмасин бошқа энди фосиқлар.

Эгамни олқишла, эй жоним!
Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

104–САНО

1 Эгамизга шукур айтинг, Унга сажда қилинг,
Бошқа халқлар орасида Унинг ишларини
билдиринг.
2 Тараннум қилиб Уни, ҳамду сано ила қўшиқ
айтинг,
Унинг жамики ажойиб ишларини сўзлаб беринг.
3 Эгамизнинг муқаддас номи ила фахрланинг,
Эгамизга юз бурганларнинг қалби шодликка
тўлсин.
4 Қудратли Эгамизга юз буринг!
Унинг ҳузурида бўлишга интилинг.
5-6 Эй сизлар, Эгамизнинг қули Иброҳим насли,
Эй Ёқуб ўғиллари — Эгамизнинг танлаганлари,
Эгамиз қилган ажойиботларини эсда тутинг,
Унинг мўъжизаларини, чиқарган ҳукмларини
унутманг.

7 У Эгамиз Худодир,
У бутун ер юзини адолатли ҳукм қилади.
8 Ўз аҳдини У то абад ёддан чиқармас,
Минглаб наслларга берган ваъдасини унутмас.
9 Риоя қилар У Иброҳим билан қилган аҳдига,
Исҳоққа қасам ичиб берган ваъдасига.
10 Ёқуб учун бу аҳдни бир қонун қилди,
Ҳа, Исроил учун абадий бир аҳд қилди.
11 Айтдики*: “Канъон юртини сенга бераман,
Уни ўзингга абадий мулк қилиб оласан.”

12 Ўша вақтда уларнинг сони кам эди,
Ҳа, жуда камчилик эдилар.
Улар бу юртга келгинди эди.
13 Кезарди бир халқ орасидан бошқасига,
Бир шоҳликдан бошқа юртга.
14 Эгамиз ҳеч кимга уларни эзишларига йўл
қўймади,
Уларни деб шоҳларга танбеҳ берди.

15 Айтдики: “Мен танлаганларга тегманглар,
Пайғамбарларимга* зарар келтирманглар.”

16 Канъон юрти устига Эгамиз очарчилик
юборди,
Битта қолдирмай егуликларга қирғин келтирди.
17 Улардан олдин одам юборди,
Ҳа, Юсуф* қул каби сотилди.
18 Унинг оёқларига занжир урилди,
Бўйнидан темир ҳалқа ўтказилди.
19 Юсуфнинг сўзлари бажо бўладиган вақт
келгунча,
Эгамизнинг каломи Юсуфни синади.
20 Миср шоҳи одам юбориб, Юсуфни қутқарди,
Элларнинг ҳукмдори уни озод қилди.
21 Юсуфни шоҳ саройининг бошқарувчиси қилиб
тайин этди,
Жамики мулкининг ҳокими қилди.
22 Хоҳласа саройдаги аъёнларимни занжирбанд
қилсин*,
Маслаҳатчиларимга донолик ила ўгит берсин
деб, шундай қилди.

23 Сўнгра Исроил Мисрга келди,
Ҳа, Ёқуб насли Хом юртида* мусофир бўлди.
24 Унинг халқини Эгамиз баракали қилди,
Душманларига қараганда, кўпайтирди.
25 Эгамиз Миср халқининг юракларини
ўзгартирди,
Улар Эгамиз халқидан нафратланди,
Эгамизнинг қулларига қарши улар фитна
уюштирди.

26 Сўнгра Эгамиз қули Мусони юборди,
Танлаб олган Ҳорунни бирга жўнатди.
27 Мисрликлар орасида, ўша Хом юртида
Иккаласи Эгамизнинг мўъжизаларини,
ажойиботларини кўрсатди*.
28 Эгамиз зулмат юборди, Мисрни зулматга
буркади,
Ахир, Мисрликлар Эгамизнинг амрларига
итоатсизлик қилди*.
29 Мисрнинг сувларини Эгамиз қонга
айлантирди,
Жамики балиқларини нобуд қилиб ташлади.
30 Миср юрти тўлиб кетди қурбақаларга,
Етиб борди ҳатто ҳукмдорларнинг уйига.
31 Эгамиз амр берганда, сўналар галаси келди,
Миср бўйлаб бургалар қайнаб кетди.
32 Ёмғир ўрнига уларга Эгамиз дўл ёғдирди,

Бутун Миср бўйлаб чақмоқ чақтирди.
33 Узумзору анжирзорларини қуритди,
Мисрдаги дарахтларни қўпориб ташлади.
34 Эгамиз амр берганда, чигирткалар* келди,
Сон–саноқсиз майда чигирткалар чиқиб келди.
35 Улар Мисрдаги бутун ўт–ўланни еб юборди,
Миср ўлкасидаги ҳосилни еб битирди.
36 Мисрдаги жамики тўнғич ўғилларни Эгамиз
нобуд қилди,
Ҳа, уларнинг фахри, қут–барака тимсолини йўқ
қилди.

37 Сўнг Эгамиз Ўз халқини
Олтину кумушга бойитиб* олиб чиқди.
Исроил қабилаларининг орасида қоқилиб
қолгани бўлмади.
38 Мисрликлар Исроилдан қўрқиб, ваҳимага
тушганди,
Улар кетгач, Миср халқи севинди.
39 Халқи устида ёпинчиқ бўлсин деб,
Эгамиз булутни ёйди,
Кечаси ёруғлик бўлсин деб, аланга берди*.
40 Исроил гўшт сўраганда Эгамиз беданалар
берди,
Осмондан нон ёғдириб, уларни тўйғазди*.
41 Эгамиз қояни очди, сув отилиб чиқди*,
Саҳро бўйлаб дарёдай сув оқди.
42 Эгамиз Ўзининг муқаддас ваъдасини,
Ўз қули Иброҳимга берган ваъдасини ёдда тутди.
43 Шу боис халқини олиб чиқди севинч ила,
Ўз танлаганларини шодлик ҳайқириқлари ила.
44 Бегона халқларнинг юртларини уларга берди,
Ўша халқларнинг бойлигини Исроил мулк қилиб
олди.
45 “Исроил халқи Менинг фармонимга риоя
қилсин,
Менинг қонунларимга итоат этсин”, дея
Эгамиз мана шуларнинг ҳаммасини қилди.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

105–САНО

1 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Эгамизга шукрона айтинг, У яхшидир!
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
2 Эгамизнинг қудратли ишларини ким батафсил
айта олади?!
Ким Унга мукаммал ҳамду сано айта олади?!

3 Бахтлидир адолат ила иш тутганлар,
Ҳар доим тўғри иш қилганлар.

4 Эй Эгам, халқингга мурувват кўрсатганингда
мени эслагин,
Уларга нажот берганингда, менга ҳам ёрдам
бергин,
5 Токи танлаган халқингнинг иқболини кўрайин,
Халқингнинг шодлигини кўриб, мен ҳам
қувонайин,
Улар билан бирга фахрланиб юрайин.

6 Эй Исроил халқи, ота–боболаримиз каби, биз
гуноҳ қилдик,
Эгри йўлдан юрдик, ёмонлик қилдик.
7 Ота–боболаримиз Мисрда бўлганларида,
Эгамизнинг ажойиб ишларига эътибор
қилмадилар,
Унинг мўл содиқ севгисини эсламадилар,
Қизил денгизда* исён қилдилар.
8 Қудратли кучини билдириш учун,
Ўз номи ҳақи,
Эгамиз уларни қутқарди.
9 У Қизил денгизга дўқ урди, денгиз қуриди.
Қуп–қуруқ ердан етаклагандай,
Исроил халқини денгиз тубидан ўтказди*.
10 Эгамиз уларни ёв қўлидан қутқарди,
Ғаним қўлидан уларни озод қилди.
11 Сувлар қайтиб, ғанимларни босиб қолди,
Душманларнинг биронтаси қутула олмади.
12 Шунда Исроил халқи Эгамизнинг сўзига
ишонди,
Унга ҳамду санолар куйлади.

13 Улар тез орада Эгамизнинг ишларини унутди,
Эгамиздан бемаслаҳат иш қилдилар.
14 Саҳрода улар нафси бузуқлик қилди,
Дашту биёбонда улар Худони синади*.
15 Эгамиз уларга сўраганини берди–ю,
Уларга ҳалокатли хасталикни ҳам юборди.

16 Қароргоҳдаги халқ Мусога,
Эгамизга бағишланган Ҳорунга ҳасад қилди*.
17 Ер ёрилиб, Датанни ютиб юборди,
Абурам билан шерикларини ямлаб юборди.
18 Шериклари устига олов тушди,
Ўша фосиқларни аланга ёндирди.

19 Синай тоғида* улар бузоқ ясадилар,
Ўша олтин бутга сажда қилдилар*.

20 Улар Худонинг улуғворлигини
Ўт ейдиган буқа тасвирига алишдилар.
21 Мисрда буюк ишлар қилган
Нажоткори Худони унутдилар.
22 Хом юртида* Эгамиз ажойиботлар
кўрсатганди,
Қизил денгизда қўрқинчли ишлар қилганди.
Ана шуларни Исроил халқи унутди.
23 Шу боис Эгамиз, уларни қираман, деди.
Аммо Мусо, Эгамизнинг танлагани ўртага тушиб,
Эгамиздан илтижо қилиб,
Уни қаҳру ғазабидан қайтарди.

24 Сўнгра улар мафтункор юртни хор қилдилар,
Эгамизнинг ваъдасига ишонмадилар*.
25 Ўз чодирларида минғирлаб нолидилар,
Эгамизга итоат этмадилар.
26 Эгамиз қўлини кўтариб, онт ичди:
“Сизларни саҳрода яксон қиламан.
27 Наслингизни халқлар орасига тарқатаман,
Бошқа юртларга уларни сочиб юбораман.”

28 Сўнгра бизнинг ота–боболаримиз
Пиёр тоғидаги Баалга сажда қилишга
қўшилдилар*,
Ўликларга* келтирилган қурбонликдан едилар.
29 Улар қилмишлари билан
Эгамизни ғазаблантирдилар,
Улар ўлатга гирифтор бўлдилар.
30 Финхаз қўзғалиб, аралашди,
Шунда ўлат ҳам тўхтади.
31 Шу боис Финхаз солиҳлик тимсоли бўлди,
Бу насллардан наслларга то абад давом этади.

32 Марива сувлари бўйида* улар Эгамизнинг
қаҳрини келтирдилар,
Уларнинг дастидан Мусонинг бошига қайғулар
келди.
33 Улар Мусонинг ғазабини қўзғатди,
Мусо ҳам ўйламай гапирди.

34 Эгамиз, халқларни қиринглар, деб амр
берганди,
Улар Эгамизнинг амрини бажармади.
35 Бегона халқлар билан улар аралашиб,
Уларнинг одатларини ўргандилар.
36 Улар бегона халқларнинг бутларига сажда
қилдилар,
Ўша бутлар Эгамизнинг халқига тузоқ бўлди.
37 Улар ўзларининг ўғил–қизларини

Жинларга қурбон қилдилар.
38 Ҳа, ўзларининг ўғил–қизларини
Канъон бутларига қурбон қилиб,
Бегуноҳ қон тўкдилар.
Уларнинг қони юртни ҳаром қилди.
39 Ишлари билан ўзларини булғадилар,
Қилмишлари билан Эгамизга бевафолик
қилдилар.

40 Шунда Эгамиз Ўз халқидан ғазабланди,
Улардан жирканди.
41 Уларни ёт халқларнинг қўлига берди,
Ғанимлари улар устидан ҳукмрон бўлди.
42 Душманлари уларни сиқувга олди,
Куч билан уларни бўйин эгдирди.
43 Кўп марта Эгамиз уларни қутқарди,
Улар эса атайлаб исён қилган эди,
Гуноҳлари туфайли паст кетдилар.
44 Шунда ҳам Эгамиз Ўз халқининг нолаларини
эшитиб,
Уларнинг кулфатларига эътибор берди.
45 Улар ҳақи Ўз аҳдини ёдида тутди,
Мўл содиқ севгиси билан уларга шафқат
кўрсатди.
46 Уларни асир олганларни
Шафқатли бўлишга ундади.

47 Эй Эгамиз Худо, бизларни қутқар,
Халқлар орасидан бизни тўплаб ол,
Ўзинг муқаддассан, Сенга шукур айтайлик,
Мадҳга лойиқ ишларинг билан фахрланайлик.

48 Исроил халқининг Худоси — Эгамизга
То абад олқишлар бўлсин,
Жамики халқлар: “Омин”, деб айтсин.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

106–САНО

1 Эгамизга шукрона айтинг, У яхшидир,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
2 Шундай десин Эгамиздан нажот топганлар,
У кулфатдан қутқарган одамлар.
3 Ахир, Эгамиз уларни шарқу ғарбдан,
Шимолу жанубдан* тўплаган,
Кўп юртлардан уларни йиғиб келган.

4 Баъзилари чўлу биёбонда тентираб юрдилар,
Яшаш учун бирон шаҳарга йўл топмадилар.
5 Оч, ташна ҳолда қолдилар,

Сал бўлмаса ўлаёздилар.
6 Кулфатда қолганларида Эгамизга нола
қилдилар,
Эгамиз уларни азоб–уқубатлардан қутқарди.
7 Улар яшайдиган шаҳарга боргунга қадар,
Эгамиз уларни тўғри йўлдан етаклади.
8 Содиқ севгиси учун улар Эгамизга шукрона
айтсин!
Эгамизнинг инсониятга кўрсатган ажойиб
ишлари учун шукур қилсин!
9 Зотан, У қондирар ташна бўлганларни,
Тўйдирар неъматлар билан очларни.

10 Баъзилари зимзиё зулматда ўтирардилар,
Асир бўлиб, кишанда азоб чекардилар.
11 Улар Худонинг сўзларига қарши исён
қилгандилар,
Худойи Таолонинг йўл–йўриқларини
менсимадилар.
12 Шу боис Худо уларни оғир ишларга мажбур
этди,
Улар йиқилганда, ёрдам беришга бирон кимса
бўлмади.
13 Кулфатда қолганларида Эгамизга нола
қилдилар,
Эгамиз уларни азоб–уқубатлардан қутқарди.
14 Уларни зимзиё зулматдан олиб чиқди,
Уларнинг кишанларини парча–парча қилди.
15 Содиқ севгиси учун улар Эгамизга шукрона
айтсин!
Эгамизнинг инсониятга кўрсатган ажойиб
ишлари учун шукур қилсин!
16 Зотан, У бронза дарвозаларни синдирар,
Темир тамбаларни иккига бўлиб ташлар.

17 Баъзилари аҳмоқ бўлиб, итоатсизлик
қилдилар,
Гуноҳлари туфайли азобга дучор бўлдилар.
18 Ҳар қандай овқатдан жирканар эдилар,
Ўлим оғзига яқинлашиб қолган эдилар.
19 Кулфатда қолганларида Эгамизга нола
қилдилар,
Эгамиз уларни азоб–уқубатлардан қутқарди.
20 Эгамиз гапириб, уларга шифо берди,
Қабрдан уларни сақлаб қолди.
21 Содиқ севгиси учун улар Эгамизга шукрона
айтсинлар!
Эгамизнинг инсониятга кўрсатган ажойиб
ишлари учун шукур қилсинлар!
22 Улар шукрона қурбонлигини келтирсинлар,

Унинг ишларини шодон қўшиқларда
куйласинлар.

23 Баъзилари кемаларда денгизга чиқдилар,
Ваҳимали сувлар узра савдо қилдилар.
24 Улар Эгамизнинг ишларини,
Чуқур сувда Унинг мўъжизаларини кўрдилар.
25 У амр берганда, бўрон қўзғалди,
Денгиз тўлқинлари баланд кўтарилди.
26 Кема осмонга кўтарилиб, яна чуқур сувга
тушди,
Фалокатдан кемадагилар бемажол бўлиб қолди.
27 Улар маст каби довдираб айланди,
Маҳоратлари фойда бермади.
28 Кулфатда қолганларида Эгамизга нола
қилдилар,
Эгамиз уларни азоб–уқубатлардан қутқарди.
29 У бўронни шабадага айлантирди,
Денгиз тўлқинлари сукутга чўмди.
30 Тўлқинлар жим бўлганидан улар севинди,
Истаган бандаргоҳга* уларни келтириб қўйди.
31 Содиқ севгиси учун улар Эгамизга шукрона
айтсин!
Эгамизнинг инсониятга кўрсатган ажойиб
ишлари учун шукур қилсин!
32 Улар жамоа олдида Эгамизни улуғласин,
Оқсоқоллар йиғинида Унга ҳамду санолар
айтсин.

33 Эгамиз дарёларни саҳрога айлантирар,
Булоқларни қақраган ерга айлантирар.
34 Аҳолисининг фосиқлиги сабабли
Ҳосилдор ерларни шўр ерга айлантирар.
35 Саҳрони эса Эгамиз кўл қилар,
Қақраган ердан булоқлар чиқарар.
36 Оч–юпунларни у ерга олиб келиб ўрнаштирар.
Улар эса яшаш учун шаҳарлар қурар.
37 Далаларга уруғ экиб, узумзорлар яратар,
Далалардан мўл–кўл ҳосил олар.
38 Эгамизнинг баракаси ила улар жуда кўпаяр,
Уларнинг чорваси камайишига Эгамиз йўл
қўймас.

39-40 Эгамиз аслзодаларни хор қилди,
Йўлсиз саҳрода уларни саргардон қилди.
Зулм, кулфат, ғамдан
Уларнинг сони камайди,
Улар қашшоқлашди.
41 Йўқсилларни эса Эгамиз кулфатдан қутқарар,
Уларнинг оиласини қўй сурувидай кўпайтирар.

42 Солиҳлар буни кўриб, севинар,
Фосиқлар эса оғзини ёпиб, жим бўлар.

43 Донолар буларга эътибор берсин,
Эгамизнинг содиқ севгисини англасин.

107–САНО

1 *Довуд саноси. Қўшиқ.*

2 Эй Худо, юрагим Сенга содиқ,
Жоним борича Сени куйлаб, қўшиқ айтаман.

3 Уйғон, эй арфа, лира!
Тонгни ҳам мен уйғотаман!

4 Эй Эгам, халқлар орасида Сенга шукрона
айтаман,
Эллар орасида Сенга ҳамду сано куйлайман.
5 Содиқ севгинг самолардан ҳам юксакдир,
Садоқатинг булутлардан ҳам баланддир.
6 Эй Худо, фалакдан ҳам юқорида юксалавер!
Шуҳратинг бутун замин узра ёйилсин.
7 Ўнг қўлинг ила ғалаба ато қилгин,
Илтижоимга жавоб бергин,
Суюкли бандаларинг нажот топсин.

8 Эй Худо, Ўз муқаддас маконингдан ваъда
бергансан*:
“Шодланиб Шакамни* бўлиб ташлайман,
Сухот водийсини* тақсимлаб бераман.
9 Гилад Меникидир, Манаше* Меникидир,
Эфрайим дубулғамдир, Яҳудо* салтанат
ҳассамдир.
10 Мўаб Менинг қўлювгичимдир,
Эдом узра чориғимни отаман*,
Филистлар* узра зафар ила ҳайқираман.”

11 Эй Худо, қанийди мустаҳкам шаҳарга* мени
олиб борсалар,
Эдомга мени бошлаб борсалар.
12 Ахир, бизни Ўзинг рад этдинг–ку!
Энди лашкаримизга йўлбошчилик
қилмаяпсан–ку!
13 Душмандан қутқариб, бизга ёрдам бер,
Инсоннинг ёрдами бутунлай беҳуда.
14 Эй Худо, Сен билан биз ғолиб бўламиз,
Душманларимизни Сен янчиб ташлайсан.

108–САНО

Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.

1 Сени олқишлайман, эй Худо,
Сукут сақламагин.
2 Фосиқ, ёлғончилар менга қарши оғиз очган,
Ёлғончи тиллар билан менга қарши гапирар.
3 Нафратга тўла сўзларни устимга ёғдирарлар,
Сабабсиз менга ҳужум қиларлар.
4 Менга айб қўярлар дўстлигимга жавобан,
Ибодат қиламан ҳамон.
5 Яхшилик эвазига менга ёмонлик қайтарарлар,
Дўстлигим эвазига менга адоват қиларлар.

6 Фосиқни уларга қарши қўй,
Уларнинг ўнг томонида айбловчи турсин.
7 Синалганда, улар айбдор бўлсин,
Уларнинг ибодати гуноҳ деб ҳисоблансин.
8 Уларнинг умри қисқа бўлсин,
Ўрнини бошқаси олсин.
9 Етим бўлиб қолсин болалари,
Бева бўлиб қолсин хотинлари.
10 Болалари кулбасидан айрилиб, дарбадар
бўлсин,
Нон излаб тиланчи бўлсин.
11 Мол–ҳолини судхўрлар эгалласин,
Меҳнати самарасини бегоналар тортиб олсин.
12 Бирон кимса уларга шафқат қилмасин,
Уларнинг етим болаларига ҳеч ким ачинмасин.
13 Уларнинг насл–насаби қирилиб кетсин,
Бир наслдан сўнг номлари йўқ бўлсин.
14 Эй Эгамиз! Оталари айбини эсга олгин,
Оналарининг гуноҳини ҳеч қачон унутмагин.
15 Эй Эгамиз, уларнинг гуноҳидан доим хабардор
бўлгин,
Ўша инсонларнинг хотирасини ер юзидан
ўчиргин.
16 Ахир, улар ҳеч қачон шафқат қилишни
ўйламади.
Муҳтожларни, умидсизликка тушганларни,
Камбағалларни таъқиб қилди, ўлдирди.
17 Улар лаънатлашни яхши кўрарди,
Энди лаънатлари ўзларининг бошига келсин.
Дуо қилишни ёқтирмасди,
Энди дуо улардан узоқ бўлсин*.
18 Лаънатни улар кийимдай киярди,
Уларнинг танасига лаънат сув каби кирарди,
Суякларига мой каби сингарди.
19 Ҳа, кийим кийгандай, улар лаънатга ўраниб

олсин,
Лаънатни ҳар куни белга тақадиган камардай
қилиб олсин.

20 Эй Эгам! Менга қарши ёмон гапирувчиларга,
Мени айбловчиларга Сендан ана шулар мукофот
бўлсин.
21 Сен, эй Эгам Раббий,
Ўз номинг ҳақи менга мадад бер,
Эзгудир содиқ севгинг, мени қутқар.
22 Мен бир бечора, йўқсилман,
Ичимда юрагим яралангандир.
23 Оқшомги соядай йўқ бўлиб боряпман,
Чигирткадай мен улоқтирилганман.
24 Рўза тутганимдан тиззаларимда дармон йўқ,
Этим суягимга ёпишиб қолган.
25 Душманларим ҳақоратининг нишониман,
Мени кўрганларида масхаралаб, бошларини
чайқашар.

26 Эй Эгам Худо, менга мадад бергин,
Содиқ севгинг ҳақи мени халос қилгин.
27 Буни Сенинг қўлинг қилганини душманларим
билсин,
Эй Эгам, менга нажот берган Сен эканингни улар
билсин.
28 Майли, улар мени лаънатласин,
Сен эса менга барака берасан.
Улар ҳужум қилганда, шарманда бўлишсин,
Мен — қулинг эса шод–хуррам бўлай.
29 Мени айбловчилар бадномликка буркансин,
Чопон кийгандай, шармандаликка ўрансин.

30 Эгамга чексиз шукроналар айтаман,
Халойиқ орасида Унга ҳамду сано ўқийман.
31 Эгамиз турар йўқсилларнинг ўнг томонида,
Уларни ўлимга маҳкум этганлардан қутқармоқ
учун.

109–САНО

Довуд саноси.

1 Эгамиз айтмоқда Раббимга*:
“Душманларингни оёқларинг остига пойандоз
қилмагунимча,
Сен Менинг ўнг томонимда* ўтиргин.”

2 Эй Раббим! Эгамиз Сенинг ҳукмронлигингни
Қуддусдан* бошлаб кенгайтирар!
Душманларинг ўртасида Сен ҳукмронлик қил!

3 Сен жанг қиладиган кунда
Жангчиларинг ўз хоҳиши билан майдонга
чиқади.
Эрта тонг ёш йигитларинг
Шабнам каби атрофингда тўпланади,
Улар муқаддас улуғворликка бурканган*.
4 Эгамиз онт ичган, қарорини ўзгартирмас:
“Сен Маликсидиқ сингари,
То абад руҳонийсан.”*

5 Эй Худо, Раббим ўнг томонингда ўтирар,
Ғазабланган кунда шоҳларни эзиб ташлар.
6 У халқларни ҳукм этиб, жасадларини уюм
қилар,
Бутун ер юзидаги ҳукмдорларни эзиб ташлар.
7 Йўл бўйидаги ирмоқдан сув ичар,
Кучга тўлиб, ғолиб бўлиб турар.

110–САНО

1 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Солиҳлар жамоасида бўлганимда,
Бутун қалбимдан Эгамга шукур айтаман.
2 Эгамизнинг ишлари буюкдир,
Улардан лаззат олувчилар улар ҳақда фикр
юритадилар.
3 Эгамизнинг ишлари улуғвор, ҳайбатлидир,
Унинг адолати то абад давом этади.
4 Эгамиз унутилмас ажойиботларни яратди,
У раҳмдил ва шафқатлидир.
5 Ўзидан қўрққанларга ризқ–рўзини беради,
Ўз аҳдини доимо ёдида тутади.
6 Халқига қудратли ишларини кўрсатди,
Бошқа халқлар ерини уларга берди.
7 Ҳамма ишларида содиқ, адолатлидир,
Унинг ҳамма амрлари ишончлидир.
8 Уларнинг ҳаммаси то абад мустаҳкам туради,
Эгамиз уларни садоқат, тўғрилик ила ижро
қилди*.
9 У халқини қутқарди,
То абад аҳди билан уларни Ўзига боғлади.
Унинг номи муқаддас, қўрқинчлидир.
10 Эгамиздан қўрқиш доноликнинг бошидир,
Бундай йўл тутганларнинг ақли расодир,
Унинг ҳамду санолари то абад давом этади.

111–САНО

1 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Бахтлидир Эгамиздан қўрқадиган одам,
Унинг амрларини бажариб завқ оладиган одам!
2 Бундай одамнинг авлоди юртда қудратли
бўлади,
Тўғри одамнинг насли барака топади.
3 Унинг уйида мўлчилик, бойлик бўлади,
Унинг солиҳлиги то абад давом этади.
4 Ҳатто зулматда ҳам тўғри инсонга нур ёғилади,
Раҳмдил, меҳрибон, солиҳ одамга ёғду сочилади.
5 Яхши одам сахий, қарз беради,
Адолат билан иш юритади.
6 Солиҳ ҳеч қачон тебранмайди,
У то абад унутилмайди.
7 У ёмон хабардан қўрқмайди,
Бутун юракдан Эгамизга умид боғлайди.
8 Юраги барқарордир, қўрқув нималигини
билмайди,
Охири душманларининг мағлубиятини ўз кўзи
билан кўради.
9 Бойлигини муҳтожларга сахийлик ила
тақсимлайди,
Унинг солиҳлиги то абад давом этади.
У қудратли, ҳурматли бўлади.
10 Фосиқлар буни кўриб, ғазабга минади,
Алам қилганидан тишларини ғичирлатади–ю,
Аммо кучдан қолади.
Ҳа, фосиқларнинг истаги пучга чиқади.

112–САНО

1 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Ҳамду сано айтинг, эй Эгамизнинг қуллари,
Ҳамду санолар бўлсин Эгамизнинг номига!
2 Эгамиз номига ҳозир ҳам,
Абадулабад олқишлар бўлсин.
3 Шарқдан то ғарбга қадар
Эгамизнинг номига олқишлар бўлсин!
4 Эгамиз барча халқлар устидан юксалган,
Унинг шуҳрати самолардан ҳам буюкдир.

5 Эгамиз Худога ким ўхшайди?!
У юксакда тахт қурган.
6 У самога, ер юзига эгилиб қарайди.
7 Тупроққа қорилган бечораҳолларни У кўтаради,
Фақирларни ахлат уюмидан олиб, юксалтиради.
8 Уларга шаҳзодалар ёнидан жой беради,
Ўз халқининг шаҳзодалари билан бирга
ўтқазади.
9 Бефарзанд аёлни ўз уйида У шарафлайди,

Унга фарзанд ато этиб, бахтиёр қилади.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

113–САНО

1-2 Исроил халқи Мисрдан чиқиб кетганда,
Яҳудо юрти Худонинг муқаддас маскани бўлди.
Ҳа, Ёқуб насли бегона юртдан кетганда,
Исроил юрти Худонинг шоҳлиги бўлди.

3 Денгиз Худони кўрди–ю, қочди*,
Иордан дарёси орқага қайтди*.
4 Тоғлар қўчқорлар каби сакради*,
Тепаликлар қўзилар каби ирғиди.

5 Не бўлди, эй денгиз, қочиб кетдинг?
Не бўлди, эй Иордан, орқага қайтдинг?
6 Эй тоғлар, нечун сакрадингиз такалар каби?
Эй тепаликлар, нечун ирғидингиз қўзилар каби?

7 Титрагин, эй замин, Раббий олдида,
Ёқубнинг Худоси ҳузурида.
8 У қояни сув ҳовузига айлантирган,
Қаттиқ қоядан булоқ чиқарган*.

9 Эй Эгам! Содиқ севгинг, садоқатинг ҳақи
Сенга шарафлар бўлсин!
Бизга эмас, Сенга шарафлар бўлсин!

10 Нима учун бегона халқлар:
“Қани уларнинг Худоси”, дея айтарлар?
11 Бизнинг Худойимиз самолардадир,
У истаганини қилаверади.
12 Халқларнинг худолари эса кумуш, олтиндан,
Инсон қўлларининг маҳсулидир.
13 Бутларнинг оғизлари бор, сўзлай олмаслар,
Кўзлари бор, кўра олмаслар.
14 Уларнинг қулоқлари бор, эшита олмаслар,
Бурунлари бор, ҳидлай олмаслар.
15 Уларнинг қўллари бор, сеза олмаслар,
Оёқлари бор, юра олмаслар,
Бўғизларидан овоз чиқара олмаслар.
16 Бутларни барпо қилганлар, бутларга
ишонганлар
Худди уларга ўхшаган бўлиб қолар.

17 Эй Исроил халқи! Ишонинг Эгамизга,
У мадад берар, қалқон бўлар сизга!
18 Эй Ҳорун хонадони!* Ишонинг Эгамизга,
У мадад берар, қалқон бўлар сизга!

19 Эй Эгамиздан қўрққанлар! Ишонинг Эгамизга,
У мадад берар, қалқон бўлар сизга!

20 Эгамиз бизни ёдда тутиб, барака беради,
Исроил халқига У барака беради,
Ҳорун хонадонига У барака беради.
21 Эгамиз Ўзидан қўрққанларга барака беради,
Каттаю кичикка бир хилда барака беради.

22 Эгамиз сизларни,
Болаларингизни кўпайтирсин.
23 Еру осмонни яратган Эгамиз
Сизларга барака берсин.
24 Самолар Эгамизнинг самоларидир,
Ерни эса У инсонларга бергандир.
25 Ўлим сукунатига ботган марҳумлар
Эгамизга ҳамду сано айтмаслар.
26 Биз эса Эгамизга ҳозир ҳам, абадулабад
Олқишлар айтамиз.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

114–САНО

1 Эгамни севаман, У мени эшитади,
Менинг илтижоларимни У тинглайди.
2 Қулоқ бериб мени тинглагани учун
Умрим бўйи Эгамга илтижо қиламан.
3 Мени ўлим тўрлари ўраб олди,
Ўликлар диёрининг* азоблари бошимга тушди,
Мени босди дарду ғам, аламлар.
4 Шунда Эгамга илтижо қилдим:
“Эй Эгам, ёлвораман, мени қутқаргин!”

5 Эгамиз меҳрибон, одилдир,
Худойимиз раҳмдилдир.
6 Эгамиз содда инсонларни ҳимоя қилади,
Хавф–хатарда қолганимда, У мени қутқаради.

7 Эй жоним, яна хотиржам бўлгин,
Эгам менга эзгулик қилган.

8 Эгам жонимни ўлимдан қутқариб қолди,
Кўзларимни ёш тўкишдан,
Оёғимни қоқилишдан қутқарди.
9 Тириклар диёрида эканман
Эгамнинг йўлидан юраверaман.

115–САНО

1 Жуда кўп азоб чексам ҳам,
Худога бўлган ишончим йўқолмади.

2 Ўйламасдан*: “Ҳамма одамлар ёлғончидир”,
дедим.

3 Эгам менга қилган яхшиликларини
Унга қандай қилиб қайтарай?
4 Нажот топганимни нишонлайман,
Эгамга сажда қиламан.
5 Эгамиз халқининг кўзи олдида
Унга берган онтимни адо этаман.

6 Тақводорларнинг ўлими
Эгамизнинг назарида жуда аччиқдир.

7 Эй Эгам, мен Сенинг қулингман,
Чўрингнинг ўғлиман,
Ўзинг кишанлардан мени озод қилгансан.
8 Шукрона қурбонлигини Сенга назр қиламан,
Сенга сажда қиламан.
9-10 Қуддусда, Сенинг уйинг ҳовлиларида,
Жамики халқингнинг кўзи олдида
Эй Эгам, Сенга берган онтимни адо этаман.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

116–САНО

1 Эй барча халқлар, Эгамизга ҳамду санолар
бўлсин!
Эй жамики элатлар, Уни олқишланглар!
2 Зеро, Унинг бизга бўлган севгиси улуғдир,
Эгамизнинг садоқати то абад давом этар.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

117–САНО

1 Эгамизга шукрона айтинг, У яхшидир,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

2 Исроил халқи шундай десин:
“Унинг содиқ севгиси абадийдир.”
3 Ҳорун авлоди шундай айтсин:
“Унинг содиқ севгиси абадийдир.”
4 Эгамиздан қўрққанлар шундай айтсин:
“Унинг содиқ севгиси абадийдир.”

5 Кулфатда қолганимда Эгамга илтижо қилдим,
Жавоб бериб, У мени озод қилди.
6 Эгам мен билан бирга, шу боис қўрқмайман.
Инсонлар менга нима қила олади?!
7 Эгам мен билан бирга, У менга мадад беради,
Кўзларим душманларим мағлубиятини кўради.

8 Инсондан умид қилгандан кўра,
Эгамиздан паноҳ излаш яхшидир.
9 Шаҳзодалардан умид қилгандан кўра,
Эгамиздан паноҳ излаш яхшидир.

10 Душман халқлар ўраб олган атрофимни,
Эгамнинг қудрати билан уларни улоқтирдим.
11 Ҳар тарафдан ўраб, менга ҳужум қилганди,
Эгамнинг қудрати билан уларни улоқтирдим.
12 Атрофимни арилардай ўраб олдилар,
Тикан алангасидай лов этдилар–да, ўчдилар,
Эгамнинг қудрати билан уларни улоқтирдим.
13 Мени қаттиқ туртганларида, йиқилаёздим,
Эгам менга мадад берди.
14 Эгам менинг куч–қудратимдир*,
У менинг қутқарувчимдир.

15 Солиҳларнинг чодирларида
Шодлик, зафар қўшиқлари жаранглайди:
“Эгамизнинг ўнг қўли мағлуб қилади.
16 Эгамизнинг ўнг қўли баланд кўтарилади,
Ҳа, Эгамизнинг ўнг қўли мағлуб қилади.”

17 Мен ўлмайман. Ҳа, мен яшайман,
Эгамнинг ишларини нақл қиламан.
18 Эгам мени қаттиқ жазолади,
Лекин ўлишимга йўл қўймади.

19 Адолат дарвозаларини менга очинглар,
Токи мен дарвозадан кириб,
Эгамга шукроналар айтайин.
20 Бу Эгамизнинг дарвозасидир,
Солиҳлар шу дарвозадан кирсин.

21 Эй Эгам, ибодатимга жавоб берганинг учун,
Менинг нажоткорим бўлганинг учун
Сенга шукрона айтаман.

22 Бинокорлар рад этган тош
Бинонинг тамал тоши* бўлди.
23 Бу Эгамизнинг қилган ишидир,
Кўз олдимиздаги ажойиботдир.
24 Эгамиз яратган кундир бу,
Бу кунда шод бўлиб, севинайлик.

25 Нажот бер бизга, ёлворамиз, эй Эгам!
Муваффақият бер, ўтинамиз, эй Эгам!

26 Эгамиз номидан келадиган зот барака топсин,
Эгамиз уйидан туриб, сени дуо қиламиз.
27 Эгамиз Худодир, У бизга нур берган.

Байрам нишонлашни бошланг!
Пальма шохларини олиб, қурбонгоҳ олдига
боринг*.

28 Сен Худойимсан, Сенга шукур айтаман,
Сен Худойимсан, Сени улуғлайман.

29 Эгамизга шукрона айтинг, У яхшидир,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

118–САНО

1 Бахтлидир йўллари пок бўлганлар,
Эй Эгам, Сенинг қонунинг бўйича юрадиганлар.
2 Бахтлидир Сенинг шартларингга риоя
қиладиганлар,
Бутун қалби билан Сенга интиладиганлар.
3 Улар асло ноҳақ иш қилмайдилар,
Сенинг йўлларингдан юрадилар.
4 Ўзинг бизга амр бериб,
Буйруқларимга диққат ила итоат этинг,
дегансан.
5 Қанийди фармонларингни адо этишда
барқарор бўлсам!
6 Мен шарманда бўлиб қолмай, дея
Ҳамма амрларингга диққат қиламан.
7 Сенинг одил қоидаларингни ўрганганимда,
Тоза қалб ила ҳамду сано айтаман Сенга.
8 Сенинг қонунларингни бажараман,
Мени ҳеч қачон тарк этмагин.

9 Йигит қандай қилиб йўлларини пок сақлайди?
Каломинг бўйича яшаб, шунга эришади.
10 Бутун қалбим билан Сенга интиламан,
Амрларингдан оғишимга йўл қўймагин.
11 Сўзларингни юрагимда асрайман,
Токи Сенга қарши гуноҳ қилмайин.
12 Эй Эгам, Сенга олқишлар бўлсин,
Фармонларингни ўргатгин менга.
13 Оғзингдан чиққан барча қоидаларни
Ўз оғзим билан эълон қиламан.
14 Шартларингга эргашиб, лаззат топаман,
Гўё катта бойлик топиб хурсанд бўламан.
15 Буйруқларинг ҳақида чуқур фикр юритаман,
Сенинг йўлларингга диққат қиламан.
16 Фармонларингдан лаззат оламан,
Каломингни мен унутмасман.

17 Мен, Ўз қулингга яхшилик қилгин,
Токи яшаб, каломингга итоат этайин.
18 Кўзларимни оч, токи кўрайин

Қонунингдаги ажойиботларни.
19 Ер юзида мусофирдай яшайман,
Амрларингни мендан яширма.
20 Жоним куймоқда ҳасрат билан,
Қоидаларингни ўрганишни доим истайман.
21 Лаънатланган такаббурларга,
Амрларингдан оғиб кетганларга Сен танбеҳ
берасан.
22 Ҳақорат, хўрликни мендан узоқлаштир,
Ахир, шартларингни доим бажарганман.
23 Ҳатто шаҳзодалар тўпланиб, менга бўҳтон
қилсалар ҳам
Мен фармонларинг ҳақида чуқур фикр
юритаман.
24 Сенинг шартларинг менга лаззат бағишлайди,
Шартларинг мен учун маслаҳатчидирлар.

25 Жоним чиқай деб турибди,
Ваъдангга кўра, ҳаётимни сақлагин.
26 Ҳаётим ҳақида Сенга айтиб бердим,
Сен жавоб бердинг.
Энди фармонларингни менга ўргатгин.
27 Менга буйруқларингни тушунтир,
Токи мўъжизаларинг ҳақида чуқур фикр юритай.
28 Жоним адо бўлди ғам–ғуссадан,
Қувват бергин менга ваъдангга биноан.
29 Сохта йўллардан мени сақлагин,
Илтифот ила қонунингни менга ўргатгин.
30 Мен садоқат йўлини танлаганман,
Қоидаларингни юрагимга жо қилганман.
31 Эй Эгам, шартларингни маҳкам ушлаганман,
Энди шарманда бўлишимга йўл қўймагин.
32 Жоним билан амрларингни бажараман,
Зотан, менга кўп заковат ато қиласан.

33 Эй Эгам, менга фармонларингни ўргат,
Токи мен уларни охиригача бажарайин.
34 Заковат бер менга, токи қонунингга риоя
қилай,
Чин қалбимдан қонунингни бажарай.
35 Амрларинг сўқмоғидан мени етаклагин,
Мен ундан лаззат топаман.
36 Юрагимни ноҳақ фойда томон эмас,
Ўз шартларинг томон бургин.
37 Кўзларимни бефойда нарсалардан қайтаргин,
Ваъдангга биноан ҳаётимни сақлагин*.
38 Мен, Ўз қулингга берган ваъдангда тургин,
Бу ваъданг Сендан қўрқадиганлар учундир.
39 Шармандаликдан қўрқаман, мендан узоқ қил,
Зотан, қоидаларинг эзгудир.

40 Буйруқларингга нақадар талпинаман,
Адолатинг билан ҳаётимни сақлагин.

41 Содиқ севгингни, эй Эгам, менга кўрсат,
Ваъданга кўра, менга нажот бер.
42 Шунда мени ҳақорат қилганларга жавоб
бераман,
Сенинг каломингга умид қиламан.
43 Оғзимдан ҳақиқат каломини тамом тортиб
олма,
Сенинг қоидаларингга умид боғлаганман.
44 Қонунингга доимо риоя қиламан,
Абадулабад уни бажараман.
45 Мен озод бўлиб юравераман,
Буйруқларингни излаб топганман.
46 Шоҳлар олдида шартларингдан сўйлайман,
Шарманда бўлмасман.
47 Амрларингдан лаззат топаман,
Мен амрларингни севаман.
48 Амрларингга иззату севги кўрсатаман,
Фармонларинг ҳақида чуқур фикр юритаман.

49 Эсла мен, қулингга берган ваъдангни,
Сен ваъда бериб, умидвор қилгансан мени.
50 Кулфатда қолганимда шу менга тасалли
беради,
Сенинг ваъданг менинг ҳаётимни сақлайди.
51 Такаббур мени тамом масхара қилади,
Шунда ҳам қонунингдан юз ўгирмасман.
52 Азалий қоидаларингни, эй Эгам, эслайман,
Бу қоидаларингдан мен тасалли топаман.
53 Фосиқ қонунингдан юз ўгирган,
Шу боис мен қаттиқ ғазабланаман.
54 Қаерда бошпана қилган бўлмайин,
Фармонларингни қўшиқ қилиб куйлайман.
55 Эй Эгам, тунда ҳам Сени эслайман,
Сенинг қонунларингга риоя этаман.
56 Бу менга одат бўлган эди,
Буйруқларингга риоя қилдим.

57 Эй Эгам, Сен менинг хавфсизлигим манбаисан,
Каломингга итоат этаман, деб ваъда бераман.
58 Жамолингни изладим чин қалбимдан,
Меҳрибон бўл менга ваъдангга биноан.
59 Йўлларимга диққат қилдим,
Шартларинг бўйича қадам босаман.
60 Мен шошиламан, кечикмасман
Амрларингга итоат этмоқ учун.
61 Фосиқлар мени арқонлар билан боғлайди,
Шунда ҳам Сенинг қонунингни унутмайман.

62 Ярим тунда уйғониб, одил қоидаларинг учун
Сенга ҳамду сано айтаман.
63 Сендан қўрққанларга мен дўстман,
Буйруқларингга риоя қилганларга шерикман.
64 Эй Эгам, содиқ севгингдан замин тўлгандир,
Фармонларингни менга ўргат.

65 Эй Эгам, Ўзинг берган ваъдангга мувофиқ
Мен, Ўз қулингга яхшилик қилдинг.
66 Менга донолик, зукколик бергин,
Сенинг амрларингга ишондим.
67 Жазо олмасимдан олдин адашар эдим,
Энди Сенинг сўзингга итоат этаман.
68 Нақадар яхшисан, эзгулик қиласан,
Фармонларингни менга ўргатгин.
69 Такаббур ёлғон сўйлаб, мени қорага чаплар,
Мен эса чин қалбдан буйруқларингга итоат
этаман.
70 Уларнинг қалбини ёғ боғлаган,
Мен эса қонунингдан лаззат оламан.
71 Тортган жазоим менга сабоқ бўлди,
Шу орқали фармонларингни ўргандим.
72 Минглаб олтину кумушдан кўра,
Яхшидир мен учун оғзингдан чиққан қонун.

73 Қўлларинг мени яратган, барпо қилган,
Амрларингни ўрганишга менга идрок бергин.
74 Сендан қўрққанлар мени кўриб, севинсинлар,
Зотан, Сенинг каломингга умид қилганман.
75 Эй Эгам, ҳукмларинг адолатлилигини биламан,
Менга жазо берганингда, Сен ҳақ эдинг.
76 Мен, Ўз қулингга берган ваъдангга кўра,
Содиқ севгинг менга тасалли бўлсин.
77 Менга шафқат қилгин, токи яшайин,
Ахир, Сенинг қонуning мен учун лаззат.
78 Ёлғон гапириб, менга зарар қилгани учун
Такаббурлар шарманда бўлсин.
Мен эса буйруқларинг ҳақида фикр юритаман.
79 Мен томон келсин Сендан қўрққанлар,
Сенинг шартларингни биладиганлар.
80 Фармонларингни битта қолмай бажарай,
Токи мен шарманда бўлиб қолмай.

81 Нажотингни кутиб, жоним адо бўлмоқда,
Сенинг каломингдан умид қилмоқдаман.
82 Ваъдаларингни кутиб, кўзимнинг нури сўнади,
“Қачон менга тасалли берасан?” дея сўрайман.
83 Тутунда қорайиб, бужмайган мешдай* бўлсам
ҳам,
Сенинг фармонларингни мен унутмаганман.

84 Қачонгача мен, қулинг, кутишим керак?
Мени таъқиб қилувчиларни қачон ҳукм қиласан?
85 Такаббурлар менга чуқур қазирлар,
Сенинг қонунингга улар қарши чиқарлар.
86 Ҳамма амрларинг умидбахшдир.
Мени сабабсиз таъқиб этарлар, ёрдам бер!
87 Улар мени ер юзидан йўқ қилай, деди,
Аммо буйруқларингни мен тарк этмадим.
88 Содиқ севгинг ҳақи сақла ҳаётимни,
Токи оғзингдан чиққан шартларга риоя қилай.

89 Каломинг, эй Эгам, то абаддир,
У самоларда мустаҳкам туради.
90 Сенинг садоқатинг насллар оша давом этади,
Ерни барқарор қилгансан, у то абад тураверади.
91 Қоидаларинг туфайли
Еру осмон бугун ҳам мустаҳкамдир,
Бутун олам қўлинг остидадир.
92 Агар қонунинг мен учун лаззат бўлмасайди,
Тортган ғаму кулфатларимдан тамом бўлардим.
93 Мен буйруқларингни ҳеч қачон унутмайман,
Булар орқали Сен ҳаётимни сақлагансан.
94 Мен Сеникидирман, мени қутқаргин,
Зотан, мен буйруқларингни бажаришга
интилганман.
95 Фосиқлар мени ўлдиришга пайт пойлайди,
Мен эса шартларинг ҳақида чуқур фикр
юритаман.
96 Жамики комилликнинг чекланганини кўрдим,
Сенинг амрларинг эса чегарасиздир.

97 О, нақадар севаман қонунингни!
Кун бўйи хаёлимда тутаман уни.
98 Амрларинг мени ғанимларимдан кўпроқ доно
қилди,
Амрларинг доимо мен билан бирга.
99 Барча устозларимдан ҳам зийракроқ бўлдим,
Сенинг шартларинг устида фикр юритаман.
100 Ёши улуғлардан ҳам донороқ бўлдим,
Чунки Сенинг буйруқларингга итоат этаман.
101 Ҳар қандай ёмон йўлдан қадамимни тийдим,
Токи Сенинг каломингга итоат этай дедим.
102 Қоидаларингдан мен қайтмадим,
Менга Ўзинг таълим бергансан.
103 Сўзларинг мен учун нақадар мазалидир,
Асалдан ҳам ширин туюлар оғзимга.
104 Буйруқларинг туфайли мен доно бўламан,
Ҳар қандай ёлғон йўлдан нафратланаман.

105 Сенинг каломинг қадамларим учун чироқдир,

Йўлимга нур сочадиган ёруғликдир.
106 Адолатли қоидаларингни бажараман, деб
Онт ичдим ва бу онтимга вафо қиламан.
107 Эй Эгам, мен кўп жафо чекдим,
Ваъдангга кўра, ҳаётимни сақла.
108 Эй Эгам, мақтов назрларимни қабул этгин,
Менга қоидаларингни ўргатгин.
109 Ҳаётим ҳар он хавфда бўлса ҳам,
Сенинг қонунингни мен унутмайман.
110 Фосиқлар менга тузоқ қўйдилар,
Шунда ҳам буйруқларингдан оғиб кетмадим.
111 Сенинг шартларинг то абад менинг
мулкимдир,
Шартларинг қалбимнинг қувончидир.
112 Фармонларингни то абад ижро этмоққа
Юрагимни мойил қилдим.

113 Иккиюзламачилардан мен нафратланаман,
Сенинг қонунингни севаман.
114 Сен менинг паноҳимсан, қалқонимсан,
Сенинг каломингга умид боғлайман.
115 “Эй бадкирдорлар, йўқолинг кўз олдимдан,
Мен Худойимнинг амрларини бажарай”, деб
айтаман.
116 Ваъдангга кўра, менга таянч бўл, токи
яшайин,
Умидим пучга чиқмасин, шарманда бўлмайин.
117 Суянчиқ бўл менга, токи нажот топайин,
Фармонларингга доим диққат билан боқайин.
118 Фармонларингдан тойганларни рад этдинг,
Уларнинг ҳийлаю найранглари беҳудадир.
119 Ер юзидаги жамики фосиқларни
Ахлатдай улоқтириб ташлайсан,
Шу боис мен шартларингни севаман.
120 Сендан қўрққанимдан вужудим титрайди,
Ҳукмларингдан мени ваҳима босади.

121 Адолатли, тўғри ишлар қилганман,
Мени золимлар қўлида қолдирма.
122 Мен, қулингнинг бахтига кафолат бергин,
Такаббурлар мени эзишларига йўл қўймагин.
123 Нажотингни кутавериб, кўзим тўрт бўлди,
Ваъда қилган нажотинг армонида кўзим нури
тўкилди.
124 Мен, Ўз қулингга содиқ севгингни кўрсатгин,
Фармонларингни менга ўргатгин.
125 Сенинг қулингман, менга идрок бергин,
Токи мен шартларингни билиб олайин.
126 Эй Эгам, вақти келди, Ўз ишингни қил,
Сенинг қонуning бузилди.

127 Чиндан ҳам Сенинг амрларингни
Олтиндан, энг соф олтиндан ҳам кўпроқ севаман.
128 Сенинг буйруқларингга кўра, қадам босаман,
Ҳар қандай ёлғон йўлдан нафратланаман.

129 Сенинг шартларинг ажойибдир,
Шу боис уларга итоат этаман.
130 Каломингнинг таълимоти зиё сочади,
Соддаларга ақл–идрок беради.
131 Оғзим очилиб, оғир нафас оламан,
Чунки Сенинг амрларингга жуда интиламан.
132 Мен томон юз бур, менга шафқат қилгин,
Ахир, Сени севганларга доим шафқат кўрсатасан.
133 Сўзингга кўра, қадамимни Ўзинг бошқаргин,
Ҳеч қачон устимдан гуноҳ ҳукмрон бўлмасин.
134 Инсон зулмидан мени қутқаргин,
Токи Сенинг буйруқларингга итоат этайин.
135 Жамолинг менга нурларини сочсин,
Фармонларингни менга ўргатгин.
136 Кўзларимдан ёшлар дарё бўлиб қуйилар,
Ахир, одамлар қонунингга риоя қилмаяпти.

137 Сен одилсан, эй Эгам,
Ҳукмларинг адолатлидир.
138 Адолат ила шартларингни буюргансан,
Тамомила ишончлидир шартларинг.
139 Ғазабим мени адо қилмоқда,
Душманларим каломингни рад этмоқда.
140 Ваъдаларинг нақадар софдир!
Мен ваъдаларингни нақадар севаман!
141 Мен кераксизман, хўрланганман,
Буйруқларингни унутмайман.
142 Сенинг адолатинг мангудир,
Сенинг қонунинг ҳақиқатдир.
143 Бошимга кулфату азоб келди,
Амрларинг менга завқ берар.
144 Шартларинг то абад адолатлидир,
Идрок бергин менга, токи яшайин.

145 Эй Эгам, чин кўнгилдан ёлвораман, жавоб бер,
Фармонларингга риоя қиламан.
146 Сенга фарёд қиламан, мени қутқаргин,
Токи шартларингга мен риоя қилай.
147 Кун чиқмасдан Сендан мадад сўраб фарёд
қиламан,
Сенинг каломингга мен умид боғлайман.
148 Сенинг ваъдангни чуқур англай деб,
Кўзларимга тун бўйи уйқу келмайди.
149 Содиқ севгингга кўра, овозимни эшитгин,
Эй Эгам, адолатинг билан ҳаётимни сақлагин.

150 Қабиҳ режа тузадиганлар яқин келмоқда,
Улар қонунингдан узоқда юради.
151 Сен эса, эй Эгам, ёнимдасан,
Ҳамма амрларинг ҳақиқатдир.
152 Қонунингни Сен мангу барқарор қилгансан,
Ёшлигимдан буни мен биламан.

153 Азобларимга қарагин, мени қутқаргин,
Ахир, мен Сенинг қонунингни унутмадим.
154 Менинг даъвоимни исбот қил, мени қутқар,
Ваъдангга кўра, ҳаётимни сақла.
155 Фосиқдан нажот узоқдадир,
Сенинг фармонларингни улар изламаслар.
156 Эй Эгам, шафқатинг буюкдир,
Адолатинг билан ҳаётимни сақла.
157 Мени таъқиб қилувчи душманларим кўп,
Мен шартларингдан юз ўгирмайман.
158 Маккорларга нафрат ила қарайман,
Улар Сенинг амрларингга риоя қилмайди.
159 Қарагин, нақадар севаман буйруқларингни,
Содиқ севгингга кўра, сақлагин ҳаётимни.
160 Каломинг моҳияти ҳақиқатдир,
Адолатли қоидаларинг то абад давом этади.

161 Ҳукмдорлар мени сабабсиз таъқиб қилар,
Юрагим каломингдан қўрқиб титраб турар.
162 Худди улкан хазина топган одамдай,
Сенинг сўзингдан шод бўламан.
163 Ёлғондан нафратланиб, жирканаман,
Сенинг қонунингни эса севаман.
164 Сенинг адолатли қоидаларинг туфайли
Етти марта кунига Сени мадҳ қиламан.
165 Қонунингни севганлар буюк тинчликка эга
бўлар,
Ҳеч нарса уларга тўсиқ бўла олмайди.
166 Эй Эгам, мен нажотингга умид қиламан,
Мен Сенинг амрларингни бажараман.
167 Шартларингга итоат этаман,
Мен уларни ғоятда севаман.
168 Буйруқ, шартларингга риоя қиламан,
Ҳамма йўлларим Сенга маълумдир.

169 Эй Эгам, оҳу нолам етсин Сенга,
Каломингга кўра, менга идрок бергин.
170 Илтижоим етиб борсин Сенга,
Берган ваъдангга кўра, мени қутқаргин.
171 Лабларимдан ҳамду сано тўлиб–тошсин,
Менга ўргатасан фармонларингни.
172 Тилим куйлайди Сенинг ваъдангни,
Зотан, адолатлидир барча амрларинг.

173 Менга ёрдамга тайёр тургин,
Зотан, танлаганман мен буйруқларингни.
174 Эй Эгам, нажотингга талпинаман,
Сенинг қонунингдан лаззат топаман.
175 Умр бер менга, ҳамду сано айтайин Сенга,
Қоидаларинг ёрдам берсин менга.
176 Адашган қўйдай йўлдан озганман,
Излаб топ мени, Ўз қулингни.
Зотан, мен амрларингни унутмаганман.

119–САНО

Зиёрат қўшиғи.*

1-2 Қайғу–аламдан Эгамга фарёд қилдим:
“Эй Эгам, ёлғончи лаблардан,
Маккор тилдан жонимни асрагин!”
У фарёдимга жавоб берди.

3 Эй маккор тил, Эгамиз бошингга не кунни солар
экан?
Сенга қандай жазо берар экан?
4 У жангчининг ўткир ўқлари билан сени
жазолайди,
Ёнаётган юлғун бутасининг чўғлари билан сенга
жазо беради.

5 Ҳолимга вой, Мешехда мусофирман,
Кедар* чодирлари орасида яшайман.
6 Тинчликдан нафрат этувчи халқ орасида
Яшашдан чарчадим.
7 Мен тинчлик тарафдориман,
Аммо гапирай деб, оғиз очсам,
Улар урушни истайдилар.

120–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Тоғларга тикаман кўзларимни,
Қаердан келар менга мадад?
2 Еру осмонни яратган
Эгамдан келар менга мадад.

3 Қоқилишингга У йўл қўймас,
У посбонингдир, асло мудрамас.
4 Ҳа, Исроилнинг посбонидир У,
Мудрамайди, ухламайди У.

5 Эгамиздир сенинг посбонинг,
Эгамиздир ёнингдаги соянг сенинг.
6 Кундузи офтоб сени урмас,

Кечаси ой сенга зарар етказмас.
7 Эгамиз сени ҳар қандай хатардан асрайди,
Жонингни Эгамиз омон сақлайди.
8 Ҳозир ва то абад қаерга борсанг ҳам,
Эгамиз доим сенга посбонлик қилади.

121–САНО

Довуднинг зиёрат қўшиғи.

1 “Эгамизнинг уйига борайлик”, деб
Менга айтганларида шод бўлдим.
2 Мана турибмиз, эй Қуддус,
Дарвозаларинг ичкарисида.

3 Қуддус яхши қурилган шаҳардир,
Деворлари бир–бирига туташтириб
солингандир.
4 Исроил халқига берилган қонунга кўра,
Қабилалар у ерга чиқиб борарлар!
Ҳа, Эгамизнинг қабилалари
Унга шукур айтмоқ учун чиқиб борарлар!
5 У ерда ҳукм тахтлари ўрнашган,
Ҳа, Довуд хонадонининг тахтлари
У ерда жойлашган.

6 Дуо қилинг Қуддуснинг тинчлиги учун:
“Уни севганлар ҳузур–ҳаловат топсин.
7 Деворлари ичида тинчлик бўлсин,
Қалъалари бехатар бўлсин.”
8 Қариндошларим, дўстларим ҳақи–ҳурмати,
Қуддусга тинчлик бўлсин, дея айтаман.
9 Эгамиз Худонинг уйи ҳақи–ҳурмати
Қуддуснинг иқболини излайман.

122–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Эй самоларда тахт қурган Худо!
Кўзларимни Сенга тикаман.
2 Эй Эгамиз Худо!
Бизга шафқатингни кўрсатгин дея,
Биз Сендан умид қиламиз.
Хўжайини қўлига қараган
Қулларнинг кўзлари каби,
Бекасининг қўлига қараган
Чўри қизнинг кўзлари каби,
Кўзларимиз Сенга қадалган.

3 Шафқат қил, эй Эгам, шафқат қил бизга,
Кўрган хўрликларимиз етиб ортар.

4 Беғамларнинг масхаралаши жонимиздан
тўйдирди,
Киборларнинг ҳақоратидан пичоқ бориб суякка
етди.

123–САНО

Довуднинг зиёрат қўшиғи.

1 Энди Исроил шундай десин:
“Эгамиз биз томонда бўлмаса эди,
2 Ҳа, Эгамиз биз томонда бўлмаса эди,
Ғанимларимиз бизга ҳужум қилганда,
3 Улар бизга ғазабини сочганда,
Бизни тириклайин ютган бўларди.
4 Тўфон бизни гирдобига тортган бўларди,
Сел бизни босиб олган бўларди.
5 Пишқирган сувлар устимиздан босган бўларди.”

6 Эгамизга олқишлар бўлсин,
Йиртқич тишларга бизни ўлжа қилиб қўймади.
7 Биз овчининг тузоғидан қутулган
Қушларга ўхшаймиз.
Тузоқ синиб, биз қутулдик.

8 Еру осмонни яратган Эгамиздан
Бизга мадад келади.

124–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Эгамизга умид боғлаганлар Сион тоғига ўхшар,
Ҳеч қачон тебранмас, то абад мустаҳкам турар.
2 Тоғлар Қуддусни ўрагандай,
Ҳозирдан бошлаб, то абад
Эгамиз Ўз халқини ўраб олгандир.

3 Фосиқ шоҳнинг салтанат ҳассаси*
Солиҳларнинг юртида узоқ қолмайди.
Бўлмаса солиҳлар қўлларини ёмон ишларга
узатади.

4 Эй Эгам, юраги тўғри бўлганларга,
Яхшиларга яхшилик қилгин.
5 Эй Эгам, эгри йўлларга бурилганларни
Бадкирдорлар билан бирга ҳайдаб юборгин.
Исроил узра тинчлик бўлсин!

125–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Эгамиз Қуддусни* яна фаровонликка
эриштирганда*,
Туш кўраётган одамларга ўхшар эдик.
2 Оғзимиз кулги билан,
Тилларимиз шодлик қўшиғи билан тўла эди.
Шунда халқлар айтдилар:
“Улар учун Эгамиз буюк ишлар қилди.”
3 Ҳа, Эгамиз биз учун буюк ишлар қилганди,
Биз қувончга тўлгандик.

4 Нагав чўлидаги сойликларни қайта сувга
тўлдиргандай,
Эй Эгам, фаровонлигимизни қайта тиклагин.
5 Кўз ёш билан уруғ экканлар
Шодлик қўшиқлари ила ҳосил ўради.
6 Йиғлаб, уруғ халтасини олиб борувчилар
Шодлик қўшиқлари билан қайтиб келади,
Дон боғламларини олиб қайтади.

126–САНО

Сулаймоннинг зиёрат қўшиғи.

1 Агар уйни Эгамиз қурмаса,
Қурувчиларнинг иши бекор бўлади.
Агар Эгамиз шаҳарни қўриқламаса,
Қоровул беҳуда пойлоқчилик қилади.
2 Эрта туриб, кеч ётганингиз ҳам,
Овқат топай деб, тортган машаққатингиз ҳам
бекордир.
Эгамиз Ўз севганларининг эҳтиёжини
Уйқуларида ҳам қондиради*.

3 Ўғиллар Эгамиздан меросдир,
Фарзандлар Ундан мукофотдир.
4 Ёшлигингизда туғилган ўғилларингиз
Жангчининг қўлидаги ўқлардайдир.
5 Ўқдони тўла шундай инсон бахтлидир!
Шаҳар дарвозаси олдида
Душмани билан даъволашганда,
У шарманда бўлиб қолмайди.

127–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Эй Эгамиздан қўрққанлар, ҳаммангиз
бахтлисиз,

Эй Унинг йўлидан юрадиганлар, сизлар
бахтлисиз.
2 Меҳнатингиз самарасини ейсиз,
Бахтли бўлиб, ҳузур–ҳаловатга етасиз.
3 Хотинингиз ҳовлингиздаги серҳосил
Узум токига ўхшаган бўлади.
Дастурхонингиз атрофидаги болаларингиз
Ёш зайтун кўчатига ўхшаган бўлади.
4 Эй Эгамиздан қўрқадиганлар,
Шу тариқа барака топасиз.

5 Эгамиз Қуддусдан туриб сизга барака берсин,
Умрингиз бўйи Сионнинг гуллаб–яшнашини
кўринг.
6 Яшайверинг сиз, невара–чевара кўринг,
Исроил узра тинчлик бўлсин!

128–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Исроил шундай деб айтсин:
“Улар ёшлигимдан менга кўп зулм ўтказиб
келди.
2 Ҳа, ёшлигимдан менга зулм ўтказиб келган,
Аммо мени енга олмаганлар.
3 Мени савалаб, елкаларимда чуқур излар
қолдирдилар,
Яраларим даладаги узун жўякларга ўхшар.
4 Эгамиз адолатпарвардир,
Фосиқларнинг арқонини қирқиб, мени озод
қилди.”

5 Қуддусдан* нафратланганларнинг ҳаммаси
Шарманда бўлиб, ортига қайтсин.
6 Том устидаги ўтларга* ўхшасин улар,
Ўсмасдан олдин қуриб қолсинлар.
7 Бундай ўтга ўроқчиларнинг ҳовучи тўлмайди,
Боғловчиларнинг қучоғи тўлмайди.
8 Ўтган–кетганлар уларга:
“Эгамиз сизларга барака берсин,
Эгамиз номи билан сизларни дуо қиламиз!” деб
айтмасин.

129–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Эй Эгам, тубсиз сувлардан Сенга нола қиламан.
2 Эй Раббий, менинг овозимни эшитгин!
Илтижоларимга диққат ила қулоқ солгин!

3 Эй Эгам, гуноҳларни ҳисобга олсанг агар,
Эй Раббий, ким ҳам бардош бера олар?!
4 Аммо Сен кечиримлисан,
Шу боис Сендан қўрқамиз.

5 Эгамга умид боғлайман,
Ҳа, жоним Унга талпинади.
Унинг каломига умид боғлайман.
6 Тонгни кутган посбондан ҳам кўпроқ,
Ҳа, тонгни кутган посбондан ҳам кўпроқ
Менинг жоним Раббийга талпинади.

7 Эй Исроил! Умид қилгин Эгамиздан!
Эгамиз содиқ севгисини кўрсатади.
Қутқаришга У доим тайёр!
8 Исроилни барча гуноҳларидан
Қутқарадиган Унинг Ўзидир.

130–САНО

Довуднинг зиёрат қўшиғи.

1 Эй Эгам, юрагимда мағрурлик йўқ,
Кўзларим асло киборларча боқмайди.
Менга ғоят ҳайратли бўлган, буюк ишлар билан
Мен ўзимни банд қилмайман.
2 Бола онаси бағрида тинчлангандай,
Мен ҳам енгил тортиб, тинчланганман.
Ҳа, жоним тинчланган.

3 Эй Исроил! Ҳозир ҳам, абадулабад Эгамиздан
умид қилгин!

131–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Эй Эгам, эслагин Довудни,
У тортган барча азоб–уқубатларни!
2 Эй Эгам, у Сенга қасам ичганди.
Эй Ёқубнинг қудратли Худоси,
У Сенга ваъда берганди:
3 “Мен асло уйимга кирмайман,
Ёки ўрнимга ётмайман.
4 Кўзларимга уйқу бермайман,
Қовоқларим юмилишига йўл қўймайман.
5 Эгамиз учун бир жой топмагунимча,
Ёқубнинг қудратли Худоси учун
Бир маскан бўлмагунча асло дам олмайман.”

6 Аҳд сандиғи Эфратда*, деб эшитгандик,
Биз уни Йўр* далаларида топиб олдик.

7 “Эгамизнинг масканига борайлик,
Унинг пойига сажда қилайлик”, дедик.

8 Қани, кел, эй Эгам, оромгоҳингга
Қудратинг рамзи бўлган Сандиқ билан бирга.
9 Руҳонийларинг солиҳликни кийсинлар,
Тақводорларинг шодликдан куйласинлар!

10 Ўз қулинг Довуднинг ҳақи–ҳурмати,
Танлаган шоҳингни рад қилмагин.
11 Эй Эгам, Сен Довудга онт ичган эдинг,
Сен шу онтингдан асло қайтмай дейсан:
“Ўзингдан бино бўлган ўғилларингдан
Бирини сенинг тахтингга ўтқазаман.
12 Агар ўғилларинг Менинг аҳдимга риоя қилса,
Уларга ўргатган амрларимга итоат этса,
Уларнинг ўғиллари ҳам
Шоҳ бўлиб, то абад сенинг тахтингда ўтиради.”

13 Эй Эгам, Сен Қуддусни* танлагансан,
У ерни Ўзингга маскан қилишни истагансан.
14 Сен шундай дединг:
“Мен то абад яшайдиган жой шу жойдир,
Бу ерда истиқомат қилишни истаганман.
15 Унинг озуқаларига мўл қилиб барака бераман,
У ердаги фақирларни тўйдираман.
16 Руҳонийларни нажотга буркайман,
Тақводорлари шодликдан куйлайдилар!
17 Довуднинг наслини бу ерда кўкартираман,
Ўзим танлаган шоҳнинг чироғини ўчирмайман.
18 Унинг ғанимларини шармандаликка ўрайман,
Шоҳнинг бошидаги тожи эса порлаб
туравераді.”

132–САНО

Довуднинг зиёрат қўшиғи.

1 Нақадар яхшидир, ёқимлидир
Биродарлар бирга аҳил яшасалар.
2 Аҳиллик Ҳоруннинг бошига суртилган,
Соқолигача оқиб тушган қимматбаҳо
мойдайдир*,
Кийимлари ёқасидан оқиб тушган мой кабидир.
3 Сион тоғларига келадиган барака*
Хермон тоғидаги мўл шабнамга ўхшайди.
Сиондан Эгамиз Ўз баракасини ва абадий ҳаётни
беради.

133–САНО

Зиёрат қўшиғи.

1 Эй сизлар — Эгамизнинг қуллари,
Эгамизнинг уйида кечаси хизмат қиладиганлар,
Эгамизни олқишланг!
2 Муқаддас маскан томон
Қўлларингизни кўтариб,
Эгамизни олқишланг!

3 Еру осмонни яратган Эгамиз
Қуддусдан* туриб, сизга барака берсин.

134–САНО

1 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Эгамизнинг номига мадҳиялар бўлсин!
Ҳамду сано айтинг, эй Эгамизнинг қуллари,
2 Эй Эгамизнинг уйида хизмат қиладиганлар,
Эй Эгамиз уйининг ҳовлисида хизмат
қиладиганлар!
3 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин,
У яхшидир!
Тараннум этинг Уни, бу* ёқимлидир.
4 Эгамиз Ўзи учун Ёқуб наслини танлади.
Ҳа, Ўзимнинг хазинам деб, Исроил халқини
танлади.

5 Ҳа, биламан, Эгамиз улуғдир,
Раббимиз барча худолардан юксакдир.
6 Осмонда ҳам, заминда ҳам,
Денгизларда, жамики тубсиз сувларда
Эгамиз истаганини қилади.
7 У ернинг тўрт томонидан булутларни олиб
келади,
Ёмғир билан бирга чақмоқ юборади,
Омборларидан шамол олиб келади.

8 Эгамиз Мисрнинг тўнғичларини,
Инсон ҳамда ҳайвонларнинг биринчи
туғилганларини нобуд қилди*.
9 Фиръавн ва унинг ҳамма аъёнларига қарши
Мисрнинг орасига Эгамиз аломату
мўъжизаларни юборди*.
10 У кўп эллар, халқларни қирган,
Қудратли шоҳларни бўғизлаган.
11 Амор халқининг шоҳи Сихўнни, Башан шоҳи
Ўгни
Ҳамда Канъоннинг барча шоҳларини қирган*.

12 Уларнинг ерини Исроил халқига мулк қилиб
берди.

13 Эгамизнинг номи то абад давом этар,
Эгамизнинг шуҳрати насллар оша давом этар.
14 Эгамиз Ўз халқига адолат қилади,
Ўз қулларига раҳм–шафқат қилади.

15 Халқларнинг худолари эса кумуш, олтиндан,
Инсон қўлларининг маҳсулидир.
16 Бутларнинг оғизлари бор, сўзлай олмаслар,
Кўзлари бор, кўра олмаслар.
17 Қулоқлари бор уларнинг, эшита олмас,
Улар асло нафас ололмас.
18 Бутларни барпо қилганлар, бутларга
ишонганлар
Худди уларга ўхшаган бўлиб қолар.

19 Эй Исроил халқи, олқишлар айтинг Эгамизга!
Эй Ҳорун хонадони*, мадҳиялар айтинг
Эгамизга!
20 Эй Леви хонадони*, олқишлар айтинг
Эгамизга!
Эй Эгамиздан қўрққанлар, мадҳиялар айтинг
Унга!
21 Қуддусда истиқомат қиладиган Эгамизга
Сионда олқишлар айтинг!

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

135–САНО

1 Шукрона айтинг Эгамизга, У яхшидир!
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
2 Шукрона айтинг худоларнинг Худосига,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
3 Шукрона айтинг эгаларнинг Эгасига*,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

4 Шукрона айтинг Худога,
Фақатгина У буюк ажойиботлар кўрсатади.
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
5 Шукрона айтинг донолик билан самоларни
яратганга*,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
6 Шукрона айтинг сувлар узра ерни барпо
қилганга*,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
7 Шукрона айтинг улкан ёритқичларни
яратганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

8 Кундузи нур сочиб турсин дея,
Қуёшни яратганга шукрона айтинг.
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
9 Тун узра нур сочиб турсин дея,
Юлдузлару ойни яратганга шукрона айтинг.
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

10 Шукрона айтинг Мисрнинг тўнғичларини
урганга*,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
11 Шукрона айтинг Мисрдан Исроилни олиб
чиққанга*,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
12 Шукрона айтинг йўғон билакларию
Кучли қўли ила Исроилни олиб чиққанга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
13 Шукрона айтинг Қизил денгизни* иккига
бўлганга*,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
14 Шукрона айтинг Исроилни денгиз ўртасидан
ўтказганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
15 Шукрона айтинг фиръавн ва унинг
лашкарларини
Қизил денгизга улоқтирганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
16 Шукрона айтинг Ўз халқини саҳро бўйлаб олиб
ўтганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
17 Шукрона айтинг буюк шоҳларни ҳалок
қилганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
18 Шукрона айтинг қудратли шоҳларни қирганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
19 Шукрона айтинг Амор халқининг шоҳи
Сихўнни ўлдирганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
20 Шукрона айтинг Башан шоҳи Ўгни
ўлдирганга*,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
21 Шукрона айтинг уларнинг ерини
Ўз халқига мулк қилиб берганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
22 Шукрона айтинг у ерларни
Ўз қули Исроилга мулк қилиб берганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

23 Шукрона айтинг хор бўлганимизда бизни
эслаганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

24 Шукрона айтинг бизни душманларимиздан
қутқарганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.
25 Шукрона айтинг барча жонзотларни
озиқлантирадиганга,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

26 Шукрона айтинг Самовий Худога,
Унинг содиқ севгиси абадийдир.

136–САНО

1 Бобилдаги дарёлар бўйида ўтирардик,
Йиғлаб, у ерларда Қуддусни* эслардик.
2 Лираларимизни ўша ердаги толларга
Осиб қўйгандик.
3 Бизни у ерда асирга олганлар:
“Қўшиқ айтиб беринглар”, дердилар,
Бизга зулм қилганлар кўнгилларини чоғ
қилгани:
“Бизга Қуддус қўшиқларидан куйланглар”,
дердилар.

4 Қандай қилиб бегона юртда
Биз Эгамизга қўшиқ куйлай олардик?!
5 Эй Қуддус, агар сени унутсам,
Ўнг қўлим қуриб қолсин.
6 Агар мен сени эсламасам,
Қуддусни энг катта шодлигим деб билмасам,
Тилим танглайимга ёпишиб қолсин.

7 Эй Эгам, Қуддус қулаган кунда
Эдомликлар* нима қилганини ёдда тутгин.
Ахир, улар: “Қулатинг, йиқитинг уни!
Пойдеворигача қулатиб ташланг!” деб бақирган.

8 Эй Бобил шаҳри! Қирғинга маҳкум бўлгансан*.
Бизга не қилган бўлсанг, ўшани
Бошингга соладиганлар бахтлидир.
9 Сенинг гўдакларингни ушлаб, қояга уриб,
Тилка–пора қиладиганлар бахтлидир.

137–САНО

Довуд саноси.

1 Эй Эгам, чин дилдан Сенга шукрона айтаман,
Фаришталар* олдида Сенинг мадҳингни
куйлайман.
2 Муқаддас Маъбадинг олдида сажда қиламан,
Содиқ севгинг, садоқатинг учун Ўзингга шукрона
айтаман,

Номингни ҳам, сўзингни ҳам ҳар нарсадан юқори
қўйгансан.
3 Чақирганимда, менга жавоб бергансан,
Қудратинг билан мени жасур қилгансан.

4 Эй Эгам, замин шоҳлари Сенга шукур айтади,
Оғзингдан чиққан сўзларни улар эшитганлар.
5 Эй Эгам, ишларингни улар куйласинлар!
Зеро, Сенинг шуҳратинг буюкдир!
6 Гарчи Сен юксак бўлсанг–да, хор бўлганларга
боқасан,
Киборларни Сен узоқдан ҳам биласан.

7 Кулфатда юрсам ҳам, душманларим ғазабидан
сақлайсан,
Ўнг қўлингни узатиб, мени қутқарасан.
8 Эй Эгам, мен учун қасос оласан*.
Содиқ севгинг то абад давом этар,
Ўзинг яратганларни тарк этмагин.

138–САНО

Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.

1 Эй Эгам, мени Ўзинг синаб кўриб, билгансан,
2 Қачон ўтириб, қачон туришимни Ўзинг биласан,
Ўй–хаёлларимни узоқдан туриб англаб оласан,
3 Юришимни, ётишимни Сен текширасан,
Барча йўлларим Сенга ойдай равшандир.
4 Бирон сўз тилимга келмасдан олдин,
Эй Эгам, Сен ҳаммасини биласан.
5 Мени ҳамма томондан ўраб олгансан,
Қўлларингни устимга қўйгансан.
6 Донолигинг мен учун жуда ажойибдир,
Шу қадар юксакки, мен англай олмасман.

7 Сенинг Руҳингдан қочиб, қаерга ҳам бора
оламан?!
Сенинг ҳузурингдан қаерга ҳам кета оламан?!
8 Агар осмонга чиқсам, Сен ўша ердасан!
Ўликлар диёрига* тушсам ҳам, Сен ўша ердасан!
9 Саҳарнинг қанотларини олиб парвоз қилсам,
Денгизнинг энг узоқ четларига ўрнашсам,
10 Ҳатто у ерда ҳам қўлларинг мени етаклар,
Ўнг қўлинг мени қувватлар.
11 Агарда: “Шубҳасиз, мени зулмат қамраб олади,
Атрофимда кундуз тунга айланади”, деб айтсам,
12 Ҳатто зулмат ҳам Сен учун қоронғи эмас,
Тун кундуз каби нур сочар,
Туну кундуз Сен учун бирдир.

13 Ички аъзоларимни Сен яратгансан,
Онамнинг қорнида менга шакл бергансан.
14 Сенга шукрона айтаман.
Ахир, қандай ажойиб қилиб яратилганман!
Сенинг барча ишларинг нақадар ажойиб,
Буни мен жуда яхши биламан.
15 Мен пинҳон яратилганимда,
Ернинг тубида* маҳорат ила тўқилганимда,
Суякларим Сендан яширин эмас эди.
16 Кўзларинг кўрганди ҳомила эканимни.
Менга ажратилган кунлар келмасдан,
Ҳаммаси китобингга ёзилганди.
17 Сенинг ниятларинг, эй Худо, менга қадрлидир,
Ниятларингнинг сон–саноғи нақадар кўпдир.
18 Қумдан ҳам кўп бўларди агар уларни
санаганимда,
Уйғонганимда қарасам, ҳамон мен билан экансан
бирга.

19 Эй Худо, кошки фосиқни ўлдирсанг эди,
Қонхўр мендан узоқлашса эди,
20 Сен ҳақингда улар фитна қиладилар,
Душманларинг Сенинг номинг билан ёлғон
қасам ичадилар.
21 Эй Эгам! Сендан нафратланганлардан мен
нафратланмайманми?!
Сенга қарши исён қилганлардан мен
жирканмайманми?!
22 Улардан бутунлай нафратланаман,
Уларни ўзимнинг душманим деб биламан.

23 Текшириб кўр мени, эй Худо, юрагимни бил,
Синаб кўр мени, ташвишларимни бил.
24 Билгин–чи, менинг бирон қабиҳлигим
бормикан?
Мени абадий йўлдан* етаклаб боргин.

139–САНО

1 *Ижрочилар раҳбарига. Довуд саноси.*

2 Ёмонлардан мени қутқар, эй Эгам,
Зўравонлардан ҳимоя қил мени.
3 Улар юракларида қабиҳликни қасд қилади,
Доимо уруш–жанжалларни қўзғайди.
4 Улар тилларини илондай ўткир қилади,
Тилларидан илон заҳри томади.

5 Эй Эгам, мени қабиҳларнинг қўлидан қутқар,
Йиқитмоқчи бўлган зўравонлардан мени ҳимоя
қил.

6 Такаббурлар мен учун тузоқ қўйганлар,
Улар тўрларининг ипларини ёйганлар,
Йўлим бўйлаб менга қопқон қўйганлар.

7 Эй Эгам, Сенга айтаман: “Сен Менинг
Худойимсан.”
Қулоқ сол, эй Эгам, Сенга илтижо қиламан.
8 Эй Эгам Раббий, қудратли нажоткорим!
Жанг кунида бошимни омон сақладинг.
9 Эй Эгам, фосиқнинг истагини бажо қилмагин,
Уларнинг қабиҳ режаларига омад бермагин,
Улар мағрурланиб кетмасин.

10 Атрофимни ўраб олганларнинг таҳдидлари,
Ўзларининг бошига келсин.
11 Ёнаётган кўмир чўғи ўзларига ёғилсин,
Улар оловга, ифлос чуқурларга улоқтирилсин–у,
Асло қайтиб чиқмасин.
12 Туҳматчиларга юртда асло жой бўлмасин,
кўкармасин,
Фалокат золимнинг изидан тушиб, уни йўқ
қилсин.

13 Биламан, эй Эгам, мазлумни ҳимоя қиласан,
Бечораҳолни адолат ила қўллаб–қувватлайсан.
14 Солиҳлар албатта Сенга шукрона айтади,
Тўғри инсонлар ҳузурингда истиқомат қилади.

140–САНО

Довуд саноси.

1 Сенга ёлвораман, эй Эгам, ёнимга тез келгин,
Сенга ёлворганимда овозимга қулоқ солгин.
2 Ибодатимни тутатқи назридай қабул қилгин,
Қўлларимни кўтарганимни кечки қурбонлик деб
билгин.

3 Эй Эгам, оғзимга посбон қўйгин,
Лабларим эшигини қўриқлагин.
4 Юрагимни қабиҳликка бурмагин,
Ёмон ишларга қўшилишимга йўл қўймагин,
Бадкирдорларнинг жамоасида
Зиёфатларини ейишимга йўл қўймагин.
5 Майли, солиҳ одам мени ураверсин,
Содиқ одам мени тўғриласин,
Бошим шундай аъло мойни рад қилмасин.

Менинг ибодатим муттасил
Бадкирдорларнинг қабиҳ ишларига қаршидир.
6 Уларнинг ҳакамлари қоядан улоқтирилади,

Шунда фосиқлар сўзларим ҳақ эканлигини
билиб олишади.
7 Бадкирдорлар айтар: “Шудгор қилиниб,
парчаланган ердай,
Суякларимиз қабр* оғзида майдаланиб, сочилиб
ётибди.”

8 Кўзларим Сендадир, эй Эгам Раббий,
Сендан паноҳ излайман,
Мени ташлаб қўймагин.
9 Бадкирдорларнинг қопқонларидан,
Улар қўйган тузоқдан мени сақлагин.
10 Мен соғ–омон ўтиб кетайин,
Фосиқлар қўйган тўрларига ўзлари тушсин.

141–САНО

Довуд ғорда бўлгандан кейин айтган қасидаси*.
Ибодат.*

1 Эй Эгам, Сенга қаттиқ фарёд қиламан,
Эй Эгам, Сенга қаттиқ ёлвораман.
2 Дардларимни Сенга тўкиб соламан,
Қайғуларимни Сенинг олдингда айтаман.
3 Руҳим сўлғин бўлганда,
Йўлларимни Сен биласан.

Мен юрадиган сўқмоқларда
Ғанимларим менга тузоқ қўйишган.
4 Ўнг томонимга қараб кўр:
Менга эътибор берадиган бирон кимса йўқ.
Ҳеч қаерга қочиб кета олмайман,
Мен учун ҳеч ким қайғурмас.

5 Сенга ёлвориб айтаман, эй Эгам:
“Сен менинг паноҳимсан,
Бу дунёдаги хавфсизлигим Сенсан.”
6 Фарёдимга қулоқ солгин,
Ахир, оёқ ости бўлиб кетдим–ку.

Мени таъқиб қилувчилардан қутқар,
Улар мендан ғоят кучлидирлар.
7 Мени тутқунликдан чиқариб олгин,
Токи Сенга шукрона айтай.
Менга эзгулик қилганинг учун
Солиҳлар атрофимни ўраб олади.

142–САНО

Довуд саноси.

1 Эшитгин, эй Эгам, ибодатларимни,

Сен содиқсан, илтижоимга қулоқ сол,
Сен одилсан, жавоб бер.
2 Мен, Ўз қулингни ҳукм қилмагин,
Ахир, Сенинг назарингда ҳеч ким солиҳ эмас.

3 Душманлар мени таъқиб қилган,
Менинг танамни тупроққа қорган,
Азалда оламдан ўтганлар каби,
Мени зулматда яшашга мажбур қилар.
4 Шу боис руҳим сўлган,
Юрагим қўрқувдан увушиб қолган.

5 Мен олдинги кунларни эслайман,
Сенинг ҳамма ишларинг ҳақида ўйлайман,
Қўлларинг ижодини хаёлимга келтираман.
6 Қўлларимни Сенга ибодат учун очаман,
Қақраган ер каби жоним Сенга ташна.

7 Эй Эгам, менга тез жавоб бер,
Руҳим тушкунликда,
Мендан юз ўгирмагин,
Токи қабрга кирганлардай бўлиб қолмайин.
8 Саҳарда содиқ севгингни менга билдиргин,
Умидимни Сенга боғлайман.
Юрадиган йўлимни Ўзинг кўрсатгин,
Юрагимни Сенга очаман.
9 Эй Эгам, мени ғанимларимдан қутқар,
Паноҳ истаб Сенга қочиб борганман.
10 Сенинг хоҳишингни бажармоққа мени ўргат,
Сен Худойимсан, Сенинг эзгу Руҳинг
Мени текис сўқмоқдан етаклаб борсин.

11 Эй Эгам, Ўз номинг ҳақи мени сақлагин,
Адолатинг билан мени кулфатдан қутқаргин.
12 Содиқ севгинг ҳақи қиргин ғанимларимни,
Йўқ қилиб ташлагин ҳамма душманларимни,
Ахир, мен Сенинг қулингман–ку.

143–САНО

Довуд саноси.

1 Эгамга, суянган қоямга олқишлар бўлсин,
У қўлларимни урушга, бармоқларимни жангга
ўргатган.
2 Эгам доим менга содиқдир,
У менинг қалъам, қўрғоним, халоскоримдир.
Ҳа, Эгам менинг қалқоним,
Унда мен паноҳ топаман,
Халқларни* У менга бўйсундиради.

3 Эй Эгам, инсон зоти кимдирки, унга эътибор
берсанг?!
Бандалар* кимдирки, улар ҳақда ўйласанг?!
4 Инсон умри оғиздан чиққан нафасга ўхшар,
Одамзоднинг ҳаёти ўткинчи сояга ўхшар.

5 Эй Эгам, кўкларни ёриб, пастга тушгин,
Тоғларга теккин, улардан тутун чиқсин.
6 Чақмоқ чақтир, ёвларни тирқиратгин,
Ўқларингни от, уларни саросимага солгин.
7 Юқоридан узат қўлингни, мени қутқаргин,
Азим сувлардан мени чиқариб олгин,
Бегоналар қўлидан мени қутқаргин.
8 Уларнинг сўзлари беҳуда,
Қўлини кўтариб, улар ёлғон қасам ичади.

9 Эй Худо, Сенга янги қўшиқ куйлайман,
Ўн торли арфа чалиб Сени тараннум этаман.
10 Шоҳларга Сен зафар ато этасан,
Қулинг Довудни шафқатсиз қиличдан
қутқарасан.
11 Келгиндиларнинг қўлидан
Мени халос қил, қутқаргин.
Уларнинг сўзлари беҳуда,
Қўлини кўтариб, улар ёлғон қасам ичади.

12 Ўғилларимиз ёшлигида яхши ўсган кўчатга
ўхшасин,
Қизларимиз саройнинг ўймакор устунларига
ўхшасин.
13 Омборларимиз ноз–неъматларга
тўлиб–тошсин,
Қўйларимиз минглаб, ўн минглаб яйловларда
кўпайсин.
14 Ҳўкизимиз оғир юкларни тортсин*,
Деворларимиз дарз кетмасин,
Одамларимиз сургун бўлмасин,
Кўчаларимизда оҳ–воҳ, ғаму кулфат бўлмасин.

15 Нақадар бахтлидир бундай инсонлар!
Бахтлидир Худони Эгамиз деб билган халқ!

144–САНО

Довуднинг ҳамду саноси.

1 Эй Худойим, Шоҳим! Сени улуғлайман!
То абад Сенинг номингни олқишлайман!
2 Ҳар куни Сени олқишлайман,
Сенга то абад ҳамду сано айтаман.

3 Эгамиз буюкдир, мадҳ этилсин янада,
Ақл етмас Унинг буюклигига.

4 Эй Эгам, бир насл бошқасига мақтар
ишларингни,
Улар эълон қилар қудратли ишларингни.
5 Улар шонли дабдабангни, улуғворлигингни
сўйлайдилар,
Мен эса ажойиб мўъжизаларинг ҳақида
ўйлайман*.
6 Одамлар қўрқинчли ишларинг қудрати ҳақида
айтадилар,
Мен эса буюклигингни эълон қилгайман.
7 Инсонлар чексиз эзгулигингни хотирлаб,
гапираверадилар.
Адолатингни улар севинч ила куйлайдилар.

8 Эгамиз иноятли, раҳмдилдир,
Жаҳли тез чиқмайди, содиқ севгиси мўлдир.
9 Эгамиз ҳар кимсага ҳиммат қилар,
Яратганларининг ҳар бирига шафқат айлар.

10 Эй Эгам, жамики яратганларинг Сенга шукур
айтар,
Жамики тақводорларинг Сенга олқишлар
куйлар.
11 Салтанатинг шуҳратини улар ҳикоя қилар,
Сенинг қудратинг ҳақида улар сўйлаб юрар.
12 Ҳаммани қудратли ишларингдан,
Салтанатинг шуҳратию дабдабасидан хабардор
қилар.
13 Сенинг салтанатинг абадий шоҳликдир,
Ҳукмронлигинг насллар оша давом этар*.

14 Йиқилаётганларга Эгамиз таянч бўлади,
Икки букилганларнинг қаддини ростлайди.

15 Эй Эгам, ҳамманинг кўзи умид билан Сенга
тикилар,
Ўз пайтида уларнинг ризқини берасан.
16 Сен қўлингни очиб,
Жамики жонзотнинг истагини қондирасан.

17 Эгамиз ҳамма йўлларида адолат қилар,
Ҳамма ишларида севгисини кўрсатар.
18 Эгамиз Ўзига ёлворганларнинг ёнидадир,
Чин дилдан илтижо қилганларнинг ёнидадир.
19 Ундан қўрққанларнинг тилагини Эгамиз
қондирар,
Уларнинг ноласини эшитиб, уларга нажот берар.
20 Эгамиз Ўзини севувчиларни асрайди,

Ҳамма фосиқларни қириб ташлайди.

21 Эгамизнинг ҳамду саноси доимо тилимда
бўлади,
Жамики жонзот Унинг муқаддас номини то абад
олқишлайди.

145–САНО

1 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Эгамни мадҳ қил, эй жоним!
2 Тирик эканман, Эгамга ҳамду сано айтаман,
Умрим борича Худойимга ҳамду сано куйлайман.

3 Умид боғламанг шаҳзодаларга,
Нажот беролмайдиган инсон зотига.
4 Улар жон бергач, тупроққа қайтар,
Ўша ондаёқ уларнинг режаси йўққа чиқар.

5 Ёқубнинг Худосини мададкорим, деб айтганлар
бахтлидир,
Ўзларининг Эгаси Худодан умид қилганлар
бахтлидир.
6 Ҳа, Ёқубнинг Худоси
Осмонни, ерни ҳамда денгизни яратган.
Денгизу ундаги ҳамма жонзотни У яратган,
У то абад содиқ бўлиб қолади,
7 Мазлумларга адолат қилади,
Очларга У нон беради.
Асирларни озод қилувчи Эгамиздир.
8 Эгамиз кўрнинг кўзларини очади,
Икки букилганларнинг қаддини ростлайди,
Эгамиз солиҳларни севади.
9 Эгамиз мусофирларни асрайди,
Етим ва беваларни қўллайди,
Фосиқнинг йўлларига халақит беради.

10 Эгамиз то абад ҳукмдордир,
Эй Қуддус*, сенинг Худойинг насллар оша
ҳукмдордир!

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

146–САНО

1 Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Нақадар яхшидир Худойимизни тараннум этмоқ!
Нақадар лаззатли, муносиб Унга ҳамду сано
айтмоқ!
2 Эгамиз Қуддусни қайтадан қуради,

Сургундагиларни Исроилга йиғади.
3 Эзилган кўнгилларга У шифо беради,
Уларнинг яраларига малҳам қўяди.
4 Юлдузларнинг сонини У аниқлаб чиқади,
Уларнинг ҳаммасига ном беради.
5 Раббимиз буюкдир, қудрати азимдир,
Унинг донолиги чексиздир.
6 Эгамиз мазлумларни юксалтиради,
Фосиқларни эса ерга уриб эзади.

7 Эгамизга шукрона айтиб тараннум қилинг,
Худойимизга атаб лирада куй чалинг.
8 У самоларни булутлар ила қоплайди,
У ерни ёмғир билан таъминлайди,
Қир–адирларда ўт–ўлан ўстиради.
9 У ҳайвонларнинг ризқ–рўзини беради,
Қарға болалари қағиллаганда уларга озиқ
беради.
10 У отларнинг кучидан завқ олмайди,
Сипоҳнинг кучли оёқларидан хушланмайди.
11 Эгамиз Ўзидан қўрққанлардан хушланади,
Унинг содиқ севгисига умид қилганлардан
мамнун бўлади.

147–САНО

1 Эгангни олқишлагин, эй Қуддус!
Худойингга ҳамду сано айт, эй Сион!
2 Дарвозаларинг тамбаларини У мустаҳкам
қилади,
Ичингдаги болаларингга У барака беради.
3 Шоҳлигингга У тинчлик ато қилади,
Буғдойнинг энг яхшиси билан тўйдиради.

4 Худо амрларини ер юзига юборади,
Унинг айтган сўзлари тез ёйилади.
5 У қорни оппоқ кўрпадай ёяди,
Қировни кул каби сочади.
6 Дўлни ушоқ каби ёғдиради,
Унинг совуғи олдида ким бардош бера олади?!
7 Каломини юбориб, Эгамиз музларни эритади,
Шамолини эсдириб, сувлар оқизади.

8 Ёқуб наслига сўзини аён қилади,
Қонун–қоидаларини Исроилга билдиради.
9 Бошқа халқларга Эгамиз шундай қилмади,
Ўша халқлар Унинг қонунларини билмайди.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

148–САНО

[1] Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин самолардан,
Унга ҳамду санолар бўлсин фалаклардан!
[2] Эй Унинг фаришталари,
Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!
Эй Унинг самовий лашкарлари,
Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

[3] Унга ҳамду санолар бўлсин, эй қуёш, эй ой,
Ҳамду санолар бўлсин Унга, нурли юлдузлар!
[4] Ҳамду санолар бўлсин Унга, эй фалаклар тоқи,
Эй самолар узра жойлашган сувлар!*

[5] Эгамизга ҳамду сано айтсин улар,
Эгамизнинг амри билан яратилган улар.
[6] Эгамиз бир фармон билан уларни то абад
жойига ўрнаштирди,
Бу фармон бекор қилинмайди.

[7] Ер юзидан Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!
Эй жамики тубсиз сувлар, денгиз махлуқлари,
[8] Эй чақмоқ, қор, дўл, булутлар,
Унинг амрига бўйсунувчи бўронлар
Эгамизга ҳамду санолар айтинг!

[9] Мадҳиялар айтинг Унга, эй тоғлар, жамики
қирлар,
Мевали дарахтлар, жамики садр дарахтлари!
[10] Ҳамду сано айтинг Унга,
Эй ёввойи ҳайвонлар, жамики чорва,
Судралиб юрувчилару учар қушлар!

[11] Мадҳиялар айтинг Унга,
Эй заминдаги шоҳлар, жамики халқлар,
Шаҳзодалар, заминдаги ҳамма ҳукмдорлар!
[12] Унга ҳамду сано айтинг йигитлар, қизлар,
Ёшу қари — ҳаммангиз бирга.

[13] Ҳаммаси Эгамизга ҳамду сано айтсин,
Ёлғиз Унинг номи юксакдир,
Шуҳрати замину осмондан баланддир.
[14] Эгамиз Ўз халқини қудратли қилди*.
Шу боис тақводорлари Уни улуғламоқда,
Қадрдони Исроил халқи Уни мадҳ этмоқда.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

149–САНО

[1] Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Эгамизга янги бир қўшиқ айтинг,
Тақводорлар жамоасига ҳамду сано айтинг.
[2] Исроил ўз Яратувчиси туфайли қувонсин,
Қуддус* халқи ўз Шоҳидан шод бўлсин.
[3] Эгамизга улар рақс ила ҳамду сано айтсин,
Доира, лира Унга атаб куй чалсин.
[4] Эгамиз Ўз халқидан хушнуддир,
Мазлумларга нажотни тож қилиб кийдиради.
[5] Эришган шарафи туфайли тақводорлар шод
бўлсин,
Тўшакларида ётганларида шодланиб қўшиқ
айтсин.
[6] Худога ҳамду сано тилларидан тушмасин,
Қўлларида дудама қиличлар бўлсин,
[7] Токи ёт халқлардан қасос олсин,
Элатларга жазосини берсин,
[8] Уларнинг шоҳларини занжирбанд қилсин,
Аслзодаларига темир кишанлар солсин.
[9] Улар устидан Худонинг ҳукмини ижро этсин,
Тақводорлари учун шараф шудир.

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

150–САНО

[1] Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

Худога ҳамду санолар бўлсин муқаддас
масканида,
Унга ҳамду санолар бўлсин
Самода — мустаҳкам қалъасида.
[2] Қудратли ишлари учун Унга ҳамду санолар
бўлсин,
Тенгсиз буюклиги учун мадҳиялар бўлсин.

[3] Унга ҳамду сано айтинг бурғу чалиб,
Унга ҳамду сано айтинг арфа, лира чалиб.
[4] Доира чалиб, рақс ила Унга ҳамду сано айтинг,
Торли асбоб, най чалиб, Унга мадҳиялар айтинг.
[5] Жарангдор зиллар чалиб, Унга ҳамду сано
айтинг,
Оҳангдор зилларни қаттиқ чалиб, Унга
мадҳиялар айтинг.
[6] Эгамизга ҳамду сано айтинг,
Эй жамики тирик жонзотлар!

Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!

ИЗОҲЛАР

2:6 *Сион* — Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

2:7 *...Сен менинг ўғлимсан, Бугун Мен сенга ота бўлдим* — қадимги пайтларда баъзан шоҳаншоҳ ва унинг қўли остидаги бошқа бир шоҳ орасидаги муносабат ота–ўғил муносабатидай тасвирланган. Ушбу оятда Довуд наслидан бўлган, тож кийдирилган янги шоҳ Худонинг ўғли деб айтилган. Шоҳаншоҳ Худо эса бу оятда ўша шоҳнинг отаси сифатида тасвирланган. 2 Шоҳлар 7:8-16, Забур 88:20-30 га қаранг.

2:9 *...уларни уриб эзасан...* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *...уларни бошқарасан....*

2:11 *Ваҳима ила тавба қилинг!* — ёки *Титраб, шод бўлинг!*

2:12 *Унинг ўғли* — шу санонинг 7–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

3:1 *Ўғли Абсаломдан қочиб кетгандан кейин...* — 2 Шоҳлар 15:13-17:22 га қаранг.

3:5 *Муқаддас тепалиги* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

4:3 *Эй инсонлар, қачонгача...ёлғонларни излаб юрасиз?!* — ёки *Эй инсонлар, қачонгача менинг улуғвор Худойимни камситасиз?! Қачонгача арзимас нарсаларга кўнгил қўясиз?! Сохта худоларни излаб юрасиз?!*

4:5 *Ҳатто ғазабланганингизда ҳам гуноҳ қилманг...* — ёки *Қўрқувдан титранг, гуноҳ қилманг....*

6:6 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди. Яна 87:11-13 га қаранг.

8:5 *Бандалар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Инсон ўғли*. Бу ибронийча ибора кўчма маънода ишлатилиб, одамнинг ўткинчи эканлигини билдиради.

8:6 *Ўзинг* — ибронийча матнда *элоҳим*. Одатда бу сўз Худога ишора қилади, аммо қудратли ҳукмдорлар, илоҳий мавжудотлар ёки фаришталарни ҳам билдириши мумкин.

8:7 *Жамики яратганинг узра уларни ҳукмрон қилдинг...* — Ибтидо 1:26-28 га қаранг.

9:1 *Қизлар* — ёки *Ўғилнинг ўлими*.

9:12 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу санонинг 15–оятида ҳам бор). 2:6 изоҳига қаранг.

9:16 *Халқлар ўзлари қазиган чуқурга ўзлари йиқилди...* — 7:16-17 га қаранг.

9:18 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

10:6 *Қабиҳнинг устига чўғ, олтингугурт ёғдиради...* — Ибтидо 19:24-25 га қаранг.

10:6 *гармсел* — ҳосилга катта зиён келтирадиган иссиқ шамол. Бу ўринда мажозий маънода ишлатилиб, Худонинг ҳукмини билдиради.

13:1 *Аҳмоқлар — аҳмоқлар* деб таржима қилинган ибронийча сўз ахлоқсиз

одамларга ишора қилади. Бундай одамлар Худони севишни ва Унга ишонишни рад қиладилар.

13:7 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

14:1 *Сенинг муқаддас тоғинг* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

15:10 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

15:10 *Тақводоринг* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Муқаддас бўлганинг*.

17:3 *қоя* — бу образ баъзан иброний шеъриятида кўчма маънода қўлланган бўлиб, Эгамизни тоққа ўхшатади. Эгамизнинг халқи ўз душманларидан қутулиш учун, қочиб Эгамизда паноҳ топади. Бу образ Эгамизнинг барқарорлигини ва қоядай мустаҳкам эканлигини кўрсатади.

17:3 *қудратли нажоткорим* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *нажотимнинг шохи* ёки *мени қутқарадиган шох*. Ҳўкизнинг шохи куч–қудрат рамзи эди, чунки ҳўкиз қадимий Яқин Шарқдаги энг кучли ҳайвонлардан бири эди.

17:6 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

17:11 *каруб* — қанотли самовий мавжудот. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

17:14 *...Худойи Таолонинг садоси эшитилди* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан (яна 2 Шоҳлар 22:14 га қаранг). Ибронийча матнда *дўл ва қип–қизил чўғ* деган ибора бу мисранинг охирига қўшилган.

17:16 *Замин пойдевори* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди.

18:4-5 *Само, фалак айтмас бир гап...[5] Аммо хабарлари...* — ёки *Бирон халқ йўққи, самою фалакнинг овозини эшитмаса, Тил йўққи, уни тушунмаса. [5] Аммо уларнинг оҳанглари...*.

19:3 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

19:10 *Эй Эгам...жавоб бергин бизга* — ёки *Эй Эгам, ато қилгин ғалаба. Эй Шоҳимиз, илтижо қилганимизда, жавоб бергин бизга*.

21:13 *буқалар* — сано ижодкори бу сўз орқали душманларини назарда тутган. У душманларини яна шерлар (шу санонинг 14, 22–оятларига қаранг), кўппаклар (шу санонинг 17, 21–оятларига қаранг) ва ёввойи буқалар (шу санонинг 22–оятига қаранг) деб атайди.

21:13 *Башан ўлкаси* — Башан Жалила кўлининг шимоли–шарқида жойлашган бўлиб, ўзининг кўм–кўк яйловлари ва соғлом наслдор, чорваси билан машҳур эди.

21:16 *Мадорим қуриб, сопол парчасидай бўлиб қолдим* — ёки *Оғзим сопол парчасидай қуриб кетди*.

21:17 *...Қўлу оёқларимни улар илма–тешик қилади* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...Шер каби, қўл–оёқларим*. Бу иборани *...Улар шер каби, қўл–оёқларимни босиб турадилар* ёки *...Улар шер каби, қўл–оёқларимни*

ғажийдилар деб таржима қилса ҳам бўлади.

21:27 *...еб тўядилар...* — сано ижодкори Худодан олган ёрдами учун Худога шукрона билдириш ниятида Маъбадга назр олиб келган. Сўнг ўша назрнинг бир қисмини таом сифатида қашшоқларга улашиб берган.

22:4 *зулмат водийси* — ёки *ўлим водийси зулмати*.

22:4 *таёқ* — ёввойи ҳайвонларни ҳайдаб юбориш учун ишлатилган.

22:4 *Хивич* — қўйларга йўл кўрсатиш, уларни бошқариш ва хавфли жойлардан қутқариш учун ишлатилган.

23:2 *У оламни ўрнатган...уммонлар узра* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди.

23:3 *Унинг тепалиги* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

23:6 *...Худога интилган Ёқуб насли...* — ёки *...Ёқубнинг Худосига интилган одамлар...*.

24:1 Бу сано ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу санонинг ҳар бир оятидаги биринчи сўз иброний алифбеси тартиби бўйича бошланади.

25:3 *...Сенга доим содиқман* — ёки *...Садоқатинг туфайли йўлимни топаман*.

27:2 *маскан* — бу ўриндаги ибронийча сўз Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига ишора қилади.

28:1 *илоҳий зотлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Худонинг ўғиллари*. Бу ибора самода яшайдиган мавжудотларга, жумладан, фаришталарга нисбатан ишлатилган. Худонинг тахти атрофида самовий мавжудотлар йиғилгани ҳақида Эски Аҳдда бир неча марта сўз юритилган (мисол учун, 81:1, 88:6-8 га ва 3 Шоҳлар 22:19-22, Ишаё 6:1-8 га қаранг).

28:2 *Муқаддас улуғворликка бурканган Эгамизга сажда қилинг!* — ёки *Эгамизнинг муқаддас маскани улуғворлиги ичра Унга сажда қилинг!* ёхуд *Муқаддас либосларда Эгамизга сажда қилинг!*

28:5 *Лубнондаги садр дарахтлари* — Лубнон тоғларида ўсадиган бу садр дарахтлари дунёнинг ўша ҳудудидаги энг катта дарахт турларидан эди.

28:6 *Хермон тоғи* — ибронийча матнда *Сириён*, Хермон тоғининг яна бир номи (Қонунлар 3:9 га қаранг). Хермон тоғи — ҳозирги Суриянинг энг баланд тоғи.

28:9 *...улкан дарахтларни эгиб юборади...* — ёки *...буғу туғишига сабаб бўлади...*.

28:10 *тўфон* — шу санонинг 3–оятида айтиб ўтилган сувларга ишора қилинган, шунингдек, оламни йўқ қилиб юборган тўфонга ишора қилаётган бўлиши ҳам мумкин (Ибтидо 7:1-8:22 га қаранг). Худо бу қудратли кучларни бошқаради.

29:4 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

29:10 *Тупроқ Сенга ҳамду сано айтарми?!* — 6:6 га қаранг.

29:12 *Аза либоси* — ибронийча матнда *Қанор*. Қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанорга ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган (шу санонинг 8-10–оятларига қаранг).

30:11 *Гуноҳларим* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча ва сурёнийча таржималарда *кулфатларим*.

30:18 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

31 *қасида* — таълим берадиган ёки марсия мазмунидаги шеър. Бу ўриндаги ибронийча сўзнинг маъноси баҳсли.

32:7 *У денгиз сувларини…жойлаб қўйган* — Ибтидо 1:6-8 га қаранг.

33:1 *Довуд…унинг ҳузуридан қувилгандан кейин…* — 1 Шоҳлар 21:10-22:1 га қаранг (Абумалек номи Филист шоҳларига нисбатан ишлатилган унвон бўлиши мумкин).

33:2 Бу сано ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу санонинг ҳар бир оятидаги биринчи сўз иброний алифбеси тартиби бўйича бошланади.

34:13 *…Мен қанор кийиб, рўза тутиб, қайғу чекардим* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанор кийиб олиш ва рўза тутиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

34:13 *Бошимни қуйи солиб, ибодат қилардим* — ёки *Улар учун ибодат қилардим, аммо менинг ибодатларим жавобсиз қоларди*.

36:1 Бу сано ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу санонинг ҳар бир оятидаги биринчи сўз иброний алифбеси тартиби бўйича бошланади.

37:6 *Ақлсизлигим* — гуноҳкорона хулқ–атвор назарда тутилган.

38:1 *Ёдутун* — 1 Солномалар 16:41-42, 25:1, 3 га қаранг.

39:7 *Гуноҳ қурбонлиги* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

39:7 *Сен қурбонлигу назрни истамадинг…Итоат қилишим учун Сен қулоқларимни очдинг* — 1 Шоҳлар 15:22 га қаранг.

39:8 *Муқаддас битикларда мен ҳақимда ёзилган* — Қонунлар 17:14-20 назарда тутилган бўлиши мумкин, бу оятларда Исроил шоҳлари учун кўрсатмалар берилган.

41:1 *Кўрах насли* — улар Маъбад созандалари эди (1 Солномалар 6:31-38 га қаранг).

41:1 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

41:7 *Хермон* — ҳозирги Сурияниng энг баланд тоғи.

41:7 *Мизор тоғи* — айнан қаерда жойлашгани маълум эмас. Хермон тоғига яқин ерда бўлиши мумкин.

42:3 *Муқаддас тоғинг* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

43:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

43:1 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

43:3 *…Озод қилдинг Сен оталаримизни* — ёки *…Сен оталаримизни гуллатиб–яшнатдинг* ёхуд *…Сен бегона халқларни қувиб юбординг*.

44:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

44:1 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

44:7 *Худо берган тахтинг…* — ёки *Эй Худо, тахтинг….*

44:9 *мирра* — маълум бир дарахтларнинг қотган елимидан тайёрланган хушбўй модда.

44:10 *Офир* — бу юрт Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган бўлиши мумкин. Офир олтини энг сифатли олтин ҳисобланган.

44:13 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

45:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

45:5 *Худо шаҳри* — Қуддусга ишора.

45:10 *Қалқонлар* — ёки *Жанг аравалари*.

46:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

46:10 *Заминнинг шоҳлари* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Заминнинг қалқонлари* (83:10 га қаранг).

47:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

47:2 *Ўзининг муқаддас тоғи* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

47:3 *Буюк Шоҳнинг шаҳридаги, Унинг шимолидаги…* — ёки *Буюк Шоҳнинг шаҳри бўлган, Зофуннинг буюк чўққиларига ўхшаган…*. Иброний тилида одатда *Зофун* сўзи “шимол” маъносини ифодалаб, Сион тоғи Қуддус шаҳрининг шимолий қисмида жойлашганига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Аммо *Зофун* Исроилдан шимолда, Финикияда жойлашган бир тоғнинг ҳам номидир. Бу ҳудудда яшаган халқларнинг эътиқоди ва тасаввурига кўра, худолар айнан шу тоғда йиғилишарди. Баъзи олимларнинг фикри бўйича, сано ижодкори бу ерда ўзининг, Худо Сион тоғида яшайди, деган ишончини таъкидлаш учун бу парчада Зофун тоғига ишора қиляпти.

47:3 *Сион тоғи* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

47:8 *Таршиш* — ҳозирги Испаниянинг ҳудудида жойлашган бу бандаргоҳ шаҳар ўзининг катта ва ҳайбатли кемалари билан машҳур эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

47:13 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

48:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

48:8 *ҳаёти* — ёки *бирodарининг ҳаёти*.

48:12 *…берганда ҳам…Маскани наслдан наслга ўтаверади* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *…берган. Улар, уйларимиз то абаддир, масканларимиз наслдан наслга ўтаверади, деб ўйлайдилар*.

48:15 *…ўликлар диёри…Ўликлар диёри…* — ибронийча матнда *…Шеўл…Шеўл…* (шу санонинг 16–оятида ҳам бор). 6:6 изоҳига қаранг.

49 *Осиф* — 1 Солномалар 6:31-33, 39-43, 25:1-2 ва Эзра 2:41 га қаранг.

49:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

50:1-2 *Натан пайғамбар келиб, Довуднинг Ботшева билан қилган гуноҳини фош этгандан кейин...* — 2 Шоҳлар 11:1-12:25 га қаранг.

50:8 *ўргатгин* — ёки *ўргатасан*.

50:9 *иссоп ўти* — бу ўсимликдан кўпинча поклаш маросимларида одамларга ё нарсаларга сув ёки қон сепиш учун ишлатилган (Чиқиш 12:21-23, Левилар 14:1-7 ва Саҳрода 19:1-19 га қаранг). Бу ўринда сано ижодкори кечирим орқали руҳан покланиш истагини ифодалаб, покланиш маросимига ишора қиляпти.

51:1-2 *Эдомлик Доег...хабар бергандан кейин...* — 1 Шоҳлар 21:7, 22:9-10 га қаранг.

51:1-2 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

52:1 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

52:2 *Аҳмоқлар* — 13:1 изоҳига қаранг.

52:7 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

53:1-2 *Зифликлар...хабар берганларидан кейин...* — 1 Шоҳлар 23:14-25, 26:1-5 га қаранг.

53:1-2 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

54:1 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

54:16 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

55:1 *Филист халқи Довудни Гат шаҳрида тутиб олгандан кейин...* — 1 Шоҳлар 21:10-15, 27:1-4 га қаранг.

55:8 *Жиноятлари учун уларни улоқтир...* — ёки *Ўзларининг жиноятлари учун улар жазодан қутулиб қоладиларми?!*

56:1 *...ғорда яшириниб қутулганидан кейин...* — 1 Шоҳлар 24:1-22 га қаранг.

56:3 *...Мен учун қасос олувчи Худога* — ёки *...Ҳаётим учун Ўз мақсадини амалга оширадиган Худога* ёхуд *...Менга эзгулик қиладиган Худога*.

56:5 *шерлар* — сано ижодкорининг душманларига ишора қилаётган кўчма маънодаги сўз.

58:1 *Шоул Довудни ўлдириш учун унинг уйини кузатишга киши юборгандан кейин...* — 1 Шоҳлар 19:11-17 га қаранг.

59:1-2 *Орам–Нахрайим* — ибронийчадаги маъноси *Икки дарёнинг Орами* демакдир. Бу ер Фурот дарёси бўйида жойлашган бўлиб, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолий қисмини ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқий қисмини қамраб оларди.

59:1-2 *Орам–Зўво* — бу ер ҳозирги Сурия мамлакатининг марказий қисмида жойлашган эди.

59:1-2 *Довуд Орам–Нахрайим ва Орам–Зўво халқи билан уруш қилаётган пайтда...* — 2 Шоҳлар 8:3-8, 10:16-18 ва 1 Солномалар 18:3-11, 19:6-19 га қаранг.

59:1-2 *Туз водийси* — Ўлик денгизнинг жанубидаги ўлка.

59:5 *шароб* — бу ўринда Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (Ишаё 51:17-23, Еремиё 25:15-29 га қаранг).

59:6 *Улар камон ўқларидан яшириниб олсин дея...* — ёки *Улар ҳақиқат ҳақи байроқ*

остида йиғилсин, дея….

59:7 *…Илтижоимизга жавоб бергин…* — ёки *…Илтижоимга жавоб бергин…*.

59:8 *…Ўз муқаддас маконингдан ваъда бергансан…* — ёки *…Сен муқаддассан, ваъда бергансан…*.

59:8 *Шакам* — Қуддусдан қарийб 50 километр шимолда, Исроил тепаликларида жойлашган шаҳар.

59:8 *Сухот водийси* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

59:9 *Гилад…Манаше…* — Гилад ўлкаси Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган. Манаше Исроил халқининг қабилаларидан бири бўлиб, бу қабиланинг ҳудуди Иордан дарёсининг шарқ ва ғарб томонида жойлашган эди.

59:9 *…Эфрайим…Яҳудо…* — Исроил халқининг иккита етакчи қабиласи. Эфрайим Исроилнинг шимолида, Яҳудо жануб томонида жойлашган эди. Иккала қабила рамзий маънода бутун Исроил халқини ифода этади.

59:10 *…чориғимни отаман…* — қадимги Исроилда кимдир ердан бир қисмини мулк қилиб олишга даъвогарлик қилганда чориғини отган, шу рамзий хатти–ҳаракат одат бўлиб қолган.

59:10 *Мўаб…Эдом…Филистлар* — Исроилнинг шарқ, жануб ва ғарбидаги қўшни халқлари бўлиб, улар Исроилга душман эдилар. Мўаб юрти Ўлик денгизнинг шарқида, Эдом юрти Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди. Филистлар Ўрта ер денгизи бўйида яшаган.

59:11 *мустаҳкам шаҳар* — Эдом юртининг пойтахти Села назарда тутилган бўлиши мумкин.

61:1 *Ёдутун* — 1 Солномалар 16:41-42, 25:1, 3 га қаранг.

62:1 *Довуд Яҳудо чўлида бўлгандан кейин…* — 2 Шоҳлар 15:13-28, 16:1-2, 13-14, 17:16, 27-29 га қаранг.

64:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

64:4 *устимиздан* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *устимдан*.

64:4 *…кечирасан гуноҳларимизни* — ёки *…поклайсан гуноҳларимиздан*.

65:6 *Худо денгизни қуруқ ерга айлантирди, Ота–боболаримиз баҳрдан юриб ўтди…* — Чиқиш 14:21-22 га қаранг.

65:12 *Фаровонлик* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималарда *кенг ер*, яъни озод, бехатар ўлка.

67:9 *Синай тоғининг Худоси* — Исроил халқи Мисрдан Канъон юртига кетганда, Худо Синай тоғида уларга Ўзини зоҳир қилган эди (Чиқиш 19:10-25 га қаранг).

67:10 *еринг* — Исроил халқи ўрнашган Канъон юрти.

67:15 *Залмон тоғи* — Шакам шаҳри яқинида жойлашган Эбал тоғининг ёки Гаризим тоғининг яна бир номи (Ҳакамлар 9:46-49 га қаранг) ёки Иордан дарёсининг шарқидаги бир тоғ.

67:16 *Башаннинг тоғи* — Башан ўлкасида, Жалила кўлидан қарийб 60 километр шимоли–шарқда жойлашган Хермон тоғи назарда тутилган бўлиши мумкин. Хермон тоғи ҳозирги Суриянинг энг баланд тоғи бўлиб, учта алоҳида–алоҳида чўққиси бор.

67:17 *Худо макон қилиб танлаган тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

67:19 *Юксаклар* — Сион тоғида жойлашган Маъбад назарда тутилган бўлиши мумкин. Сано ижодкори Раббийни ўз тахтига кўтарилаётган ғолиб шоҳ сифатида тасвирлайди.

67:28 *...Бенямин...Яҳудо...Забулун, Нафтали...* — Исроил халқининг қабилаларидан тўрттаси. Бенямин ва Яҳудо қабилалари Исроил юртининг жанубида, Забулун ва Нафтали қабилалари шимолида жойлашган эди.

67:29 *Эй Худо, кўрсатгин қудратингни!* — кўплаб иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *Сизлар қудратли бўласизлар, деб Худойингиз қарор қилган эди*.

67:31 *...қамишзор орасидаги ўша ёввойи ҳайвон...* — Нил дарёсидаги бегемот назарда тутилган бўлиши мумкин. Бегемот Миср халқининг рамзи эди.

67:32 *Мисрдан бронза келтирилади...* — ёки *Аслзодалар Мисрдан келади...*.

67:32 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

68:11-12 *...рўза тутганимда...[12]...қанор кийганимда...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанор кийиб олиш ва рўза тутиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

68:13 *Шаҳар дарвозаси олдида...* — қадимги пайтларда одамлар савдо–сотиқ, ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш учун шаҳар дарвозаси олдида йиғилишарди.

68:36 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

71:5 *...Унинг умри ҳам шунчалик узоқ бўлсин* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *...Шундай узоқ вақт давомида Сендан қўрқсинлар*.

71:10 *Таршиш* — 47:8 изоҳига қаранг.

71:10 *Шава* — Арабистон ярим оролининг жануби–ғарб томонида бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Кейинчалик Шава маликаси шоҳ Сулаймонга ҳадялар олиб келган эди (3 Шоҳлар 10:1-13 га қаранг).

71:10 *Саво* — Арабистон ярим оролининг жанубида ёки Африкада, Қизил денгизнинг ғарбий бўйида жойлашган бўлиши мумкин.

72 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

72:4 *Улар оғриқ нималигини билмайдилар...* — ёки *Улар ўлим пайтигача оғриқни сезмайдилар...*.

72:10 *Шу боис ҳар ким уларга юз буради, Уларнинг сўзларини сув каби ичади* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Шу боис унинг халқи шу ерга қайтиб келади ва мўл–кўл сувни симириб ичади*. Ибронийча матнда бу оятнинг маъноси баҳсли.

73 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

73 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

73:14 *Левитан* — Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ. Левитан ҳалокат келтирувчи денгиз кучларининг ва ўрнатилган барча

тартибга таҳдид соладиган бузғунчи кучларнинг рамзидир. Муқаддас Китобда Худонинг Левитан устидан қозонган ғалабаси Унинг куч–қудрати рамзидир. Зотан, Худо бутун борлиқ устидан, шунингдек, Ўз халқининг душманлари устидан ғолиб бўлган қудратли Ҳукмдордир.

73:14 *Чўл жонзотлари* — ёки *Чўлда яшайдиган одамлар*.

73:16 *ой* — ёки *юлдузлар*.

74:1 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

74:4 *Замин устунлари* — 17:16 изоҳига қаранг.

74:9 *шароб* — 59:5 изоҳига қаранг.

75:1 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

75:3 *Қуддус* — ибронийча матнда *Салим*, Қуддуснинг қадимги номи.

75:11 *Инсонга бўлган ғазабинг…* — ёки *Сенга бўлган инсон ғазаби…*.

75:11 *…Ғазабингдан қутулганларни атрофингга тўплайсан* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…Ғазабнинг қолганини кийиб оласан*. Оятнинг бу қисмидаги ибронийча матннинг маъноси баҳсли.

75:12 *атрофидагилари* — атрофдаги халқларнинг ҳукмдорлари (шу санонинг 13–оятига қаранг) ёки самодаги кенгашда иштирок этган илоҳий зотлар назарда тутилган (81:1, 88:8 га қаранг).

76:1 *Ёдутун* — 1 Солномалар 16:41-42, 25:1, 3 га қаранг.

76:1 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

76:2 *…Эшитгин мени, деб Худога ҳайқираман* — ёки *…Худога ҳайқираман, мени эшитади*.

76:7 *Тун бўйи ўзим билан ўзим суҳбат қурдим…* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *Тунда айтган қўшиқларимни эсладим…*.

77 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

77 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

77:5 *Ота–боболаримизга амр бериб…деди* — Қонунлар 6:6-7 га қаранг.

77:9 *Эфрайим жангчилари* — Эфрайим қабиласи Исроилнинг шимолий қисмидаги энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Бу шоҳликнинг пойтахти Самария эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭФРАЙИМ сўзига қаранг.

77:9 *…Жанг кунида ортига қайтди* — Эфрайим қабиласи ва Исроил, яъни шимолий шоҳлик жангда қўрқоқлик кўрсатганлиги ҳақида ҳеч қаерда айтиб ўтилмаган. Бу ерда сано ижодкори улар ҳақида, жангдан орқага қайтди, деб айтганда, Исроил халқининг Худо билан қилган аҳдига бевафолик қилгани ва шу сабабли уларнинг шоҳлиги қулаганини назарда тутган бўлса керак (шу санонинг 60, 67-68–оятларига ва 60–оятнинг изоҳига қаранг).

77:12 *Зўван текислиги* — Гўшен ерларининг яна бир номи, бу жой Нил дельтасининг шарқ томонида жойлашган эди. Зўван бу текисликдаги муҳим шаҳар бўлиб, Рамзес номи билан ҳам аталар эди. Ибтидо 47:11, 27 га қаранг.

77:13 *Денгизни ёриб…Сувларни девор каби тик қилиб қўйди* — Чиқиш 14:21-29 га қаранг.

77:14 *Кундузи уларни…Тун бўйи…етаклади* — Чиқиш 13:21-22 га қаранг.

77:15-16 *У саҳродаги қояларни парчалади…[16]…Сувларни…оқизди* — Чиқиш 17:1-7 ва Саҳрода 20:2-11 га қаранг.

77:18 *Улар атайлаб Худони синадилар…* — Чиқиш 16:2-15, Саҳрода 11:4-23 га қаранг.

77:21 *Эгамиз уларнинг гапини эшитиб…Исроил наслига қарши қаҳрини сочди* — Саҳрода 11:1-3 га қаранг.

77:24 *манна* — Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин то Канъон юртига киргунча, Худо уларга етказиб турган махсус егулик. Манна, Шаббат кунидан ташқари, ҳар куни кечаси ерга ёғиларди, одамлар саҳарда туриб, уни йиғиб олишарди (Чиқиш 16:13-35, Ёшуа 5:12 га қаранг).

77:31 *…Исроилнинг гулдай йигитларини ер тишлатди* — Саҳрода 11:31-35 га қаранг.

77:43 *Зўван текислиги* — шу санонинг 12–ояти изоҳига қаранг.

77:46 *чигирткалар* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

77:47 *шикамора–анжир дарахтлари* — анжирнинг қадимги Яқин Шарқда кенг тарқалган бир тури. Катталиги ёнғоқ дарахтидай, барглари эса тут баргларига ўхшаш бўлиб, йил давомида бир неча бор ҳосил берадиган серсоя дарахт.

77:44-51 *[44] Мисрдаги дарёларни Худо қонга айлантирди…[51] Мисрнинг ҳамма тўнғич ўғилларини нобуд қилди…* — Чиқиш 7:14-12:32 га қаранг.

77:51 *Хом авлоди* — Мисрликларга нисбатан қўлланган шеърий усул. Хомнинг ўғли Мизра Миср халқининг бобокалонидир (Ибтидо 10:6 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

77:55 *бошқа халқлар* — Қонунлар 7:1 га қаранг.

77:60 *Шилў* — Қуддусдан қарийб 32 километр шимолда жойлашган бу шаҳар Эфрайим қабиласининг ҳудудида эди. Шоҳ Довуд давридан олдин Шилў Исроил халқининг сажда маркази бўлган эди (Ёшуа 18:1, 1 Шоҳлар 1:3 га қаранг). Кейинчалик Яҳудо қабиласининг ҳудудидаги Қуддус сажда маркази бўлиб қолди, Маъбад Қуддусда қурилди (шу санонинг 67-69–оятларига қаранг).

77:61 *…асир қилиб берди Аҳд сандиғини, Ўзининг қудратию шуҳрати рамзини* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…асир қилиб берди Ўз қудратию шуҳратини*.

77:67 *Эфрайим қабиласи* — шу санонинг 9–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

77:68 *Яҳудо қабиласи* — Яҳудо қабиласи Исроилнинг жанубий қисмидаги энг катта қабила эди. Шу боис Эски Аҳднинг баъзи парчаларида Яҳудо сўзи жанубий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

77:67-68 *…Эфрайим қабиласини танламади. [68]…Яҳудо қабиласини…Сион тоғини танлади* — Маъбаднинг Яҳудо ҳудудида, Қуддусдаги Сион тоғида қурилганига ишора (шу санонинг 60–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

78 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

78:7 *Исроил* — ибронийча матнда *Ёқуб*, Исроил наслининг яна бир номи (Ибтидо

32:27-28 га қаранг).

79:1 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

79:2-3 *Юсуф насли* — бу ўринда Исроил халқи назарда тутилган. Юсуф Ёқубнинг Роҳиладан кўрган тўнғич ўғли эди. Эфрайим ва Манаше қабилалари Юсуфнинг иккала ўғлидан тарқалган насллардир.

79:2-3 *...Эфрайим, Бенямин, Манаше...* — Исроил халқининг қабилаларидан учтаси. Эфрайим ва Манаше ғоят муҳим ўрин тутган шимолий қабилалар эди.

79:12 *денгиз* — яъни Ўрта ер денгизи.

79:14 *Ёввойи тўнғизлар...Ёввойи жониворлар...* — Исроил халқининг душманларига ишора қилаётган кўчма маънодаги иборалар.

79:16 *новда* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *ўғил*, Худо ўтқазган токка, яъни Исроил халқига ишора қилаётган кўчма маънодаги сўз.

79:18 *халқ* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *инсон ўғли*. Шу санонинг 16–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг. Яна 8:5 изоҳига қаранг.

80:1 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

80:4 *байрам кунимиз* — Чайла байрами назарда тутилган бўлиши мумкин (Левилар 23:33-43 га қаранг).

80:6 *Исроил* — ибронийча матнда *Юсуф*. 79:2-3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

80:7 *Юкни олдим елкангиздан...Қўлларингиз саватдан озод бўлди* — Исроил халқининг Мисрда қилган оғир меҳнати назарда тутилган (Чиқиш 1:11-14 га қаранг).

80:8 *...Марива сувлари бўйида...* — Чиқиш 17:1-7 ва Саҳрода 20:1-13 га қаранг.

81 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

81:1 *самодаги кенгаш* — Худонинг тахти атрофида самовий мавжудотлар йиғилгани ҳақида Эски Аҳдда бир неча марта сўз юритилган (мисол учун, 88:6-8, 3 Шоҳлар 22:19-22, Аюб 1:6-12, 2:1-6, 15:8, Ишаё 6:1-8 га қаранг).

81:1 *худолар* — ибронийча матнда *элоҳим* (шу санонинг 6–оятида ҳам бор). Одатда бу сўз Худога ишора қилади, аммо ҳукмдорлар, илоҳий мавжудотлар ёки фаришталарни ҳам билдириши мумкин.

81:5 *Заминнинг пойдевори* — 17:16 изоҳига қаранг.

82:1 *Осиф* — 49–санонинг изоҳига қаранг.

82:6-8 *Эдомликлар...Мўабликлар...* — Эдом Ўлик денгизнинг жанубида, Мўаб шу денгизнинг шарқида жойлашган юртлар эди.

82:6-8 *...Исмоил авлодлари...Ҳожар насллари...* — Иордан дарёсининг шарқ томонида яшаган қариндош икки араб қабиласи (Ибтидо 25:12-18, 1 Солномалар 5:10 га қаранг).

82:6-8 *Габол* — бу ўринда ё Ўрта ер денгизи бўйидаги Финикияга қарашли шаҳар (Библ номи билан ҳам маълум бўлиб, Тир шаҳридан шимолда жойлашган) ёки Ўлик денгизнинг жанубидаги ерлар назарда тутилган.

82:6-8 *...Оммон ва Омолек...* — Оммон халқи Иордан дарёсининг шарқ томонида, Омолек халқи эса Исроилдан жануби–ғарбда, Синай ярим оролида яшаган.

82:6-8 *...Тир...Филистия...* — Тир Финикиядаги шаҳар бўлиб, Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган. Филистия Ўрта ер денгизи бўйида

жойлашган юрт эди.

82:9 *Лут насли* — яъни Эдом ва Мўаб халқлари (Ибтидо 19:30-38 га қаранг).

82:10 *...Мидиёнларни жазолаганингдай...* — Ҳакамлар 7:1-23 га қаранг.

82:10 *...Сисаро, Ёбинни қирганингдай...* — Ҳакамлар 4:1-24 га қаранг.

82:12 *Орив ва Заёвдай...* — Ҳакамлар 7:25 га қаранг.

82:12 *...Зевах ва Залмунодай...* — Ҳакамлар 8:21 га қаранг.

83:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

83:7 *Қақраган сойликдан* — ибронийча матнда *Бака сойлиги*. Ибронийчадаги *бака* сўзи қуруқ ерларда ўсадиган дарахтнинг бир турини билдириши мумкин. Баъзи иброний қўлёзмаларида, қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималарда *Йиғи сойлиги*. Бу сойликнинг қаерда жойлашгани маълум эмас.

83:7 *сув ҳавзалари* — ёки *баракалар*.

83:8 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

84:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

84:9 *бемаъни йўллар* — гуноҳкорона хулқ–атвор назарда тутилган.

85:13 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

86:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

86:2 *муқаддас тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

86:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу санонинг 4, 5, 6–оятларида ҳам бор). 2:6 изоҳига қаранг.

86:4 *Миср* — ибронийча матнда *Раҳоб*, Левитаннинг яна бир исми, Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ (73:14 нинг биринчи изоҳига қаранг). Бу ўринда Раҳоб Мисрнинг шеърий номи сифатида келган (Ишаё 30:7 га қаранг).

86:4 *...Филистия...Тир...* — Филистия Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган юрт эди. Тир Финикиядаги шаҳар бўлиб, Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

86:4 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

87:1 *Кўрах насли* — 41:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

87:1 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

87:4 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

87:10 *ҳар куни* — ёки *кун бўйи*.

87:12 *Ҳалокат диёри* — ибронийча матнда *Абаддўн*. Бу сўз *Шеўл*ни, яъни ўликлар диёрини билдиради.

87:12-13 *...қабр...[13] Зулмат диёри...Унутилганлар макони...* — *Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. 6:6 изоҳига қаранг.

87:16 *...умидсиз қолганман* — ёки *...менинг тинка–мадорим қуриган*.

88:1 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

88:4 *Сен шундай дединг...* — 2 Шоҳлар 7:16 га қаранг.

88:7 *Илоҳий зотлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Худонинг ўғиллари*. 28:1 изоҳига қаранг.

88:8 *муқаддас малаклар давраси* — 81:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

88:11 *Раҳоб* — Левитаннинг яна бир исми, Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ (73:14 нинг биринчи изоҳига қаранг).

88:13 *...Товур, Хермон тоғлари...* — Товур тоғи Жалила кўлининг жанубий қирғоғидан қарийб 19 километр ғарбда жойлашган. Хермон ҳозирги Суриянинг энг баланд тоғидир.

88:21 *...Муқаддас мойимни суртиб уни танладим* — 1 Шоҳлар 16:1-13 га қаранг.

88:28 *Мен уни тўнғич ўғил қилиб оламан...* — 2:7 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

88:49 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

88:51 *...мен, қулинг, қанчалар масхара бўлганимни...* — кўплаб иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *...қулларинг қанчалар масхара бўлганини....*

89:4 *Сен инсонни тупроққа қайтарасан...* — Ибтидо 3:19 га қаранг.

90:13 *Шер ва заҳарли илон* — Исроил халқининг душманларига ишора қилаётган кўчма маънодаги ибора.

91:11 *...Қудратинг билан менга қайтадан куч ато этдинг* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...Менга янги мой суртилган*. Бу ўринда мой Худодан куч олишга ишора бўлиб, кўчма маънода қўлланган.

91:13 *Лубнондаги садр дарахти* — 28:5 изоҳига қаранг.

94:8 *Маривада...Массахда...* — Чиқиш 17:1-7 га қаранг.

94:10 *Қирқ йил у наслдан нафратланиб...* — Саҳрода 14:33-34 га қаранг.

94:11 *...«Улар фароғат диёримга кирмайди», дедим* — Саҳрода 14:20-23 га қаранг.

95:9 *Муқаддас улуғворликка бурканган Эгамизга сажда қилинг!* — ёки *Эгамизнинг муқаддас маскани улуғворлиги ичра Унга сажда қилинг!* ёхуд *Муқаддас либосларда Эгамизга сажда қилинг!*

96:8 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

98:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

98:9 *муқаддас тоғи* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 47:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

101:14 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу санонинг 17–оятида ҳам бор). 2:6 изоҳига қаранг.

101:26 *заминнинг пойдевори* — 17:16 изоҳига қаранг.

102:5 *Ҳаётим* — ёки *Орзу–истакларим*.

102:14 *...Биз тупроқ эканимиз...* — Ибтидо 3:19 га қаранг.

103:3 *Осмондаги сувлар* — Ибтидо 1:6-8 га қаранг.

103:5 *заминнинг пойдевори* — 17:16 изоҳига қаранг.

103:16 *...Лубнонда...садр дарахтларинг...* — 28:5 изоҳига қаранг.

103:26 *Левитан* — Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуққа ишора қилади (73:14 нинг биринчи изоҳига қаранг). Аммо бу ўринда

китга ёки баҳайбат денгиз махлуқига ишора қилинган бўлиши ҳам мумкин.

103:30 *Руҳ* — бу ўриндаги ибронийча сўз *нафас* маъносини ҳам ифодалайди.

104:11 *Айтдики…* — Ибтидо 12:7, 17:8, 26:3, 28:13 га қаранг.

104:15 *Пайғамбарларим* — Иброҳим, Исҳоқ, Ёқубга ишора.

104:17 *Юсуф* — Ибтидо 37:1-36, 39:1-41:57, 45:4-7 га қаранг.

104:22 *…аъёнларимни занжирбанд қилсин…* — ёки *…у аъёнларим устидан ҳукмронлик қилсин…* ёхуд *…у аъёнларимга кўрсатма берсин….*

104:23 *Хом юрти* — Мисрга нисбатан қўлланган шеърий усул. Хомнинг ўғли Мизра Миср халқининг бобокалонидир (Ибтидо 10:6 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

104:27 *Мисрликлар орасида…мўъжизаларини, ажойиботларини кўрсатди* — Чиқиш 7:8-11:10, 12:29-30 га қаранг.

104:28 *…Ахир, Мисрликлар Эгамизнинг амрларига итоатсизлик қилди* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *…Улар Эгамизнинг амрларига итоатсизлик қилмади*, яъни *…Мусо ва Ҳорун Эгамизнинг амрларига итоатсизлик қилмади*.

104:34 *чигирткалар* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

104:37 *…Эгамиз Ўз халқини Олтину кумушга бойитиб…* — Чиқиш 12:33-36 га қаранг.

104:39 *…Эгамиз булутни ёйди, Кечаси…аланга берди* — Чиқиш 13:20-22 га қаранг.

104:40 *…Эгамиз беданалар берди, Осмондан нон ёғдириб, уларни тўйғазди* — Чиқиш 16:2-15 га қаранг.

104:41 *Эгамиз қояни очди, сув отилиб чиқди…* — Чиқиш 17:1-7 ва Саҳрода 20:2-11 га қаранг.

105:7 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи* (шу санонинг 9, 22–оятларида ҳам бор). Бу санодаги мана шу ном остида ҳозирги Суэц қўлтиғи (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиқ) ёки Суэц қўлтиғи ва Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган кўллардан бири назарда тутилган. Чиқиш 14:10-31 даги ҳодисаларнинг тафсилотига кўра, бу денгиз катталигидан Исроил халқига тўсиқ бўлган, чуқурлигидан Миср лашкари чўкиб кетган.

105:9 *У Қизил денгизга дўқ урди…Исроил халқини денгиз тубидан ўтказди* — Чиқиш 14:1-31 га қаранг.

105:14 *Саҳрода…улар Худони синади* — Саҳрода 11:4-34 га қаранг.

105:16 *…Мусога…Ҳорунга ҳасад қилди* — Саҳрода 16:1-35 га қаранг.

105:19 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

105:19 *Синай тоғида…олтин бутга сажда қилдилар* — Чиқиш 32:1-14 га қаранг.

105:22 *Хом юрти* — Мисрга нисбатан қўлланган шеърий усул. Хомнинг ўғли Мизра Миср халқининг бобокалонидир (Ибтидо 10:6 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

105:24 *…улар…Эгамизнинг ваъдасига ишонмадилар* — Саҳрода 14:1-35 га қаранг.

105:28 *…бизнинг ота–боболаримиз Пиёр тоғидаги Баалга сажда қилишга*

қўшилдилар… — Саҳрода 25:1-13 га қаранг.

105:28 *…Ўликларга…* — ёки *…Жонсиз бутларга….*

105:32 *Марива сувлари бўйида…* — Саҳрода 20:1-13 га қаранг.

106:3 *жануб* — ибронийча матнда *денгиз*. Бу ўринда Ўрта ер денгизининг жанубий соҳили ёки Ақаба қўлтиғи назарда тутилган бўлиши мумкин.

106:30 *бандаргоҳ* — кемалар тўхтайдиган жой, порт. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

107:8 *…Ўз муқаддас маконингдан ваъда бергансан…* — ёки *…Сен муқаддассан, ваъда бергансан….*

107:8 *Шакам* — Қуддусдан қарийб 50 километр шимолда, Исроил тепаликларида жойлашган шаҳар.

107:8 *Сухот водийси* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

107:9 *Гилад…Манаше…* — Гилад ўлкаси Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган. Манаше Исроил халқининг қабилаларидан бири бўлиб, бу қабиланинг ҳудуди Иордан дарёсининг шарқ ва ғарб томонида жойлашган эди.

107:9 *…Эфрайим…Яҳудо…* — Исроил халқининг иккита етакчи қабиласи. Эфрайим Исроилнинг шимолида, Яҳудо жануб томонида жойлашган эди. Иккала қабила рамзий маънода бутун Исроил халқини ифода этади.

107:10 *…чориғимни отаман…* — қадимги Исроилда кимдир ердан бир қисмини мулк қилиб олишга даъвогарлик қилганда чориғини отган, шу рамзий хатти–ҳаракат одат бўлиб қолган.

107:10 *Мўаб…Эдом…Филистлар…* — Исроилнинг шарқ, жануб ва ғарбидаги қўшни халқлар бўлиб, улар Исроилга душман эдилар. Мўаб юрти Ўлик денгизнинг шарқида, Эдом юрти Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди. Филистлар Ўрта ер денгизи бўйида яшаган.

107:11 *мустаҳкам шаҳар* — Эдом юртининг пойтахти Села назарда тутилган бўлиши мумкин.

108:17 *…келсин…бўлсин* — ёки *…келди…бўлди*.

109:1 *Раббим* — ибронийча матнда *адон*. Бу ўринда *адон* сўзи Худо танлаган шоҳга ишора қилади. Мазкур санода Довуд ўзининг авлоди ва келажак шоҳ ҳақида башорат қилган. Ўша шоҳ руҳоний ҳам бўлади ва Худонинг ўнг томонида ўтириб, абадий ҳукмронлик қилади (шу санонинг 4–оятига ва 2 Шоҳлар 7:16, 23:2-5 га қаранг).

109:1 *Менинг ўнг томоним* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

109:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

109:3 *Эрта тонг ёш йигитларинг…Улар муқаддас улуғворликка бурканган* — ёки *Сиз муқаддас улуғворликка буркангансиз, сизнинг куч–қудратингиз тонгги шабнамга ўхшаб ҳар куни янгиланиб туради*. Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Бачадондан, саҳардан сизда ёшлигингиз шабнами бор* ёки *…йигитларингизнинг шабнами бор*.

109:4 *“Сен Маликсидиқ сингари, То абад руҳонийсан”* — Довуд насли, Маликсидиқ сингари, ҳам шоҳ, ҳам руҳоний бўлади (Ибтидо 14:18-20 га қаранг). Ҳорун ва унинг наслига берилган мартабага қараганда, бу руҳонийлик мартабаси юксак

эди (Ибронийлар 7:1-28 га қаранг).

110:1 Бу сано ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу санонинг ҳар бир оятидаги биринчи сўз иброний алифбеси тартиби бўйича бошланади.

110:8 *...Эгамиз уларни садоқат, тўғрилик ила ижро қилди* — ёки *...Уларга садоқат ва тўғрилик билан итоат этиш шарт*.

111:1 Бу сано ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу санонинг ҳар бир оятидаги биринчи сўз иброний алифбеси тартиби бўйича бошланади.

113:3 *Денгиз Худони кўрди–ю, қочди...* — Чиқиш 14:21-22 га қаранг.

113:3 *...Иордан дарёси орқага қайтди* — Ёшуа 3:7-17 га қаранг.

113:4 *Тоғлар қўчқорлар каби сакради...* — Чиқиш 19:16-19 ва Ҳакамлар 5:4-5 га қаранг.

113:8 *У...қоядан булоқ чиқарган* — Чиқиш 17:1-7 га қаранг.

113:18 *Ҳорун хонадони* — Маъбадда руҳонийлар бўлиб хизмат қилган Ҳорун насли.

114:3 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

115:1-2 *Жуда кўп азоб чексам ҳам, Худога бўлган ишончим йўқолмади. [2] Ўйламасдан...* — ёки *Мен Худога ишондим. Жуда кўп азоб чекканимдан, ўйламасдан [2]...*.

117:14 *...куч–қудратимдир...* — ёки *...қудратим, шукрона қўшиғимдир...*.

117:22 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

117:27 *Пальма шохларини олиб, қурбонгоҳ олдига боринг* — ёки *Қурбонлик қилинадиган ҳайвонни арқон билан боғлаб, қурбонгоҳга олиб келинг*.

118:1 Бу сано ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу санода 22 байт бўлиб, ҳар бир байт 8 оятдан иборат. Байтнинг ҳар бир ояти иброний алифбесининг бир хил ҳарфи билан бошланади. Мисол учун, биринчи байтдаги оятлар иброний алифбесининг биринчи ҳарфи билан бошланади, иккинчи байтдаги оятлар иброний алифбесининг иккинчи ҳарфи билан бошланади ва ҳоказо.

118:37 *...Ваъдангга биноан ҳаётимни сақлагин* — Қумрон қўлёзмаларидан ва баъзи иброний қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *...Сенинг йўлларингдан юрарканман, ҳаётимни сақлагин*.

118:83 *Тутунда қорайиб, бужмайган мешдай...* — қадимги пайтларда суюқлик одатда ҳайвон терисидан қилинган мешларда сақланарди. Сано ижодкори ўзини шипда осилиб, тутундан қорайиб, буришиб кетган мешга қиёслайди. Бундай меш яроқсиз бўлиб, ундан фойдаланиб бўлмайди.

119 *Зиёрат қўшиғи* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Юқорига чиқиш қўшиғи*, яъни Қуддусга ва Маъбад турган тепаликка чиқилаётганда айтиладиган қўшиқ. 119-133–саноларнинг ҳаммаси “зиёрат қўшиқлари” деб аталган. Зиёратчилар диний байрамларни нишонлаш учун Қуддусга бораётганларида ҳам, байрамларни Маъбадда нишонлаганларида ҳам, сажда сифатида шу қўшиқларни куйлаган бўлишлари мумкин. Яна 83–санога қаранг.

119:5 *...Мешех...Кедар...* — Мешех ҳудуди Каспий денгизи билан Қора денгиз орасида, Кедар ерлари эса Арабистон саҳросида жойлашган. Одамларнинг тасаввурига кўра, бу жойларда яшайдиган халқлар варварлар бўлиб, уларнинг ерлари ниҳоятда олисда деб ҳисобланган.

124:3 *салтанат ҳассаси* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

125:1 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

125:1 *Эгамиз Қуддусни яна фаровонликка эриштирганда...* — ёки *Эгамиз бизни сургундан Қуддусга қайтариб олиб келганда...*.

126:2 *Эгамиз Ўз севганларининг эҳтиёжини Уйқуларида ҳам қондиради* — ёки *Эгамиз Ўз севганларига уйқу ато қилади*.

128:5 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

128:6 *Том устидаги ўтлар* — қадимги Исроилда одатда уйларнинг томлари тупроқдан бўлиб, шиббаланган. Баъзан томларда майсалар ўсиб чиқар, лекин қуёш ва гармсел таъсирида тез қуриб қолар эди.

131:6 *Эфрат* — Байтлаҳм шаҳри атрофидаги ерлар.

131:6 *Йўр — Хират–Йўрим*нинг қисқа шакли бўлиши мумкин. Хират–Йўрим Қуддусдан 15 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар эди. Филист халқи жангда Аҳд сандиғини ўлжа қилиб олган эди. Исроил халқи Аҳд сандиғини улардан тортиб олиб, мана шу ерга олиб келган эди (1 Шоҳлар 6:13-7:2 га қаранг).

131:13 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

132:2 *қимматбаҳо мой* — Чиқиш 30:22-33 га қаранг.

132:3 *барака* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *шабнам*. Шабнам Худо марҳаматининг рамзидир. Худонинг Сион тоғига берган мўл–кўл баракаси Хермон тоғига тушадиган мўл шабнамга таққосланган. Хермон тоғи ҳозирги Суриянинг энг баланд тоғидир. Қуддус ва Маъбад жойлашган тоғлар ундан анчагина паст эди.

133:3 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

134:3 *бу* — ёки *У*.

134:8 *Эгамиз Мисрнинг тўнғичларини...нобуд қилди* — Чиқиш 12:29-30 га қаранг.

134:9 *Фиръавн ва унинг ҳамма аъёнларига қарши...Эгамиз аломату мўъжизаларни юборди* — Чиқиш 7:8-11:10 га қаранг.

134:11 *Амор халқининг шоҳи Сихўнни, Башан шоҳи Ўгни...қирган* — Саҳрода 21:21-35 ва Қонунлар 2:24-3:11 га қаранг.

134:19 *Ҳорун хонадони* — Ҳоруннинг авлоди Маъбадда руҳоний бўлиб хизмат қилган.

134:20 *Леви хонадони* — Маъбаддаги хизматларда руҳонийларга ёрдам берадиган Леви қабиласининг аъзолари.

135:2-3 *худоларнинг Худоси...[3]...эгаларнинг Эгаси* — Қонунлар 10:17 изоҳига қаранг.

135:5 *...самоларни яратганга...* — Ибтидо 1:1, 6-8, 14 га қаранг.

135:6 *...сувлар узра ерни барпо қилганга...* — 23:2 изоҳига қаранг.

135:10 *...Мисрнинг тўнғичларини урганга...* — Чиқиш 12:29-30 га қаранг.

135:11 *...Мисрдан Исроилни олиб чиққанга...* — Чиқиш 6:6, 13:3-4 га қаранг.

135:13 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи* (шу санонинг 15–оятида ҳам бор). 105:7 изоҳига қаранг.

135:13 *...Қизил денгизни иккига бўлганга...* — Чиқиш 14:1-31 га қаранг.

135:19-20 *...Амор халқининг шоҳи Сихўнни ўлдирганга...[20]...Башан шоҳи Ўгни ўлдирганга...* — Саҳрода 21:21-35 ва Қонунлар 2:24-3:11 га қаранг.

136:1 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу санонинг 3–оятида ҳам бор). 2:6 изоҳига қаранг.

136:7 *Эдомликлар* — азалдан Исроил халқига душман бўлиб келган халқ, уларнинг юрти Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди. Бобилликлар Қуддусни вайрон қилганларида, Эдом халқи уларга ёрдам берган эди (яна Ҳизқиёл 35:5 ва Ободиё 10-14–оятларга қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭДОМ сўзига қаранг.

136:8 *Қирғинга маҳкум бўлгансан* — ёки *Эй қотил!*

137:1 *Фаришталар* — ибронийча матнда *Элоҳим*, 8:6 изоҳига қаранг.

137:8 *...мен учун қасос оласан* — ёки *...менинг ҳаётим учун қўйган ўз мақсадингни бажарасан* ёхуд *...менга эзгулик қиласан*.

138:8 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

138:15 *Ернинг туби* — она қорнига ишора қилаётган кўчма маънодаги ибора (яна Аюб 1:21 га қаранг).

138:24 *абадий йўл* — ёки *қадимги йўл*, яъни вақт синовларига бардош берган ишончли йўл (Еремиё 6:16 га қаранг).

140:7 *қабр* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:6 изоҳига қаранг.

141 *Довуд ғорда бўлгандан кейин...* — 1 Шоҳлар 22:1-2 да ёки 1 Шоҳлар 24:1-22 да тасвирланган воқеага ишора.

141 *қасида* — 31–санонинг изоҳига қаранг.

143:2 *Халқлар* — Қумрон қўлёзмаларидан, кўплаб иброний қўлёзмаларидан, қадимий сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Халқим*.

143:3 *Бандалар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Инсон ўғли*. Бу ибронийча ибора кўчма маънода ишлатилиб, одамнинг ўткинчи эканлигини билдиради.

143:14 *Ҳўкизимиз оғир юкларни тортсин...* — ёки *Ҳўкизларимиз семирсин...* ёхуд *Чорвамиз бузоқлар туғсин...*.

144:1 Бу сано ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу санонинг ҳар бир оятидаги биринчи сўз иброний алифбеси тартиби бўйича бошланади.

144:5 *Улар...сўйлайдилар, Мен эса...ўйлайман* — Қумрон қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *Шонли дабдабанг, улуғворлигинг, ажойиб мўъжизаларинг ҳақида мен ўйлайман*.

144:13 *...Ҳукмронлигинг насллар оша давом этар* — Қумрон қўлёзмаларида, битта иброний қўлёзмасида, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималарда шу оятнинг охирига *Эгамиз Ўзининг ваъдаларига содиқ ва Ўзи яратганларнинг ҳаммасига меҳрибон*, деб қўшимча қилинган.

145:10 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

148:4 *самолар узра жойлашган сувлар* — Ибтидо 1:6-8 га қаранг.

148:14 *...Ўз халқини қудратли қилди* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...Ўз халқи учун бир шох чиқарди*. Эски Аҳдда буқанинг шохи кўпинча кўчма маънода ишлатилиб, кучли ҳукмдорга ёки ҳарбий қудратга ишора қилган.

149:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 2:6 изоҳига қаранг.

СУЛАЙМОН ПАЙҒАМБАРНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Кириш

Сулаймоннинг ҳикматлари китоби мақол, маталлар шаклидаги ахлоқий ва диний таълимотлардан иборат. Мазкур китобнинг асосий муаллифи Исроил халқининг донишманд шоҳи Сулаймондир. Китобнинг баъзи қисмлари Ағур (30:1 га қаранг) ва шоҳ Лемул (31:1 га қаранг) томонидан ёзилган. Ҳикматлар кўпинча икки мисрали шеърий шаклда келган.

Маталларнинг кўпчилигида кундалик ҳаётда учрайдиган муаммолар ҳақида сўз юритилади. Мазкур китоб “Эгамиздан қўрқиш илму маърифатнинг бошидир” деган доно сўзлар билан бошланади (1:7 га қаранг) ва фақатгина диний ишлар борасида эмас, балки одоб–ахлоқ ва ақл билан қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида ҳам насиҳат беради. Бу ҳикматлар оила ва жамиятдаги муносабатлар, донолик билан иш юритиш, тадбиркорлик, ахлоқ ва дин–диёнат каби мавзуларни қамраб олади. Мазкур китобда камтарлик, сабр–тоқат, камбағалларни ҳурмат қилиш ва дўстга содиқлик каби фазилатлар ҳақида кўп фикрлар айтилади.

Китобдаги аксарият ҳикматлар мазмунан бир–бирига ўзаро боғланган. Китобдаги баъзи ҳикматли сўзлар эса қисқа бўлиб, матнга боғланмаган бўлса ҳам, ўзида тугал маънони ифодалайди.

Сулаймоннинг ҳикматлари

(1:1-9:18)

1–БОБ

Ҳикматларнинг қадри

1 Исроил шоҳи Довуд ўғли Сулаймоннинг* ҳикматлари.

2 Бу ҳикматлар донолик ва насиҳатни ўргатади,
ҳикматли сўзларни тушунтиради,
3 ақлли кўрсатмаларни,
тўғрилик, адолат ва одилликни ато қилади,
4 соддаларга* идрок,
ёшларга билим, фаҳму фаросат беради.
5 Донолар тинглаб билимини кўпайтирсин,
идроклилар йўл–йўриқ олсин.
6 Бу ҳикматлар — маталларни, жумбоқларни,
дононинг сўзларини ва топишмоқларини тушуниш учундир.

7 Эгамиздан қўрқиш* илму маърифатнинг бошидир*.
Донолик ва насиҳатдан нафратланган эса нодондир*.

Ёшларга насиҳат

8 Ўғлим*, отанг насиҳатларига қулоқ сол,
онанг ўгитларини рад этма,

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

9 чунки улар бошингга гўзал гулчамбар,
бўйнингга маржондайдир.
10 Ўғлим, агар гуноҳкорлар сени йўлдан урмоқчи бўлса,
бўйин берма.
11 Агар улар: “Кел, бизга қўшил, пистирма қўйиб қон тўкайлик,
айбсизнинг йўлини важсиз тўсайлик,
12 дўзахга* ўхшаб уни тириклайин ўз қаримизга тортайлик,
чуқур каби бутунлайин ютиб юборайлик,
13 ҳар хил бойликларни тортиб олиб,
уйимизни ўлжа билан тўлдирайлик,
14 ҳамма нарса ўртада бўлсин,
ҳамёнимиз битта бўлсин”, деб айтсалар,
15 ўғлим, уларга ҳамроҳ бўлма,
йўлига бир қадам ҳам босма.
16 Чунки улар қон тўкишга тайёрдирлар,
оёқлари ёвузликка шошилади.
17 Қушни тўр билан тутиб бўлмайди,
тўрни кўрган қуш пир этиб учиб кетади.
18 Ёвузлар эса ўз қисматини кўра олмайдилар,
бошқаларнинг жонини пойлайман деб,
ўз жонига зомин бўлганини билмайдилар.
19 Очкўзлик билан тортиб оладиганларнинг аҳволи шу!
Улар ўз ҳаётига зомин бўлади.

Донолик ўзига чорлайди

20 Донолик* кўчада чақиради.
Майдонда баланд овоз билан ҳайқиради.
21 Гавжум кўчанинг бошида,
шаҳар дарвозаларида* жар солади.
22 “Эй нодонлар, қачонгача нодон бўлиб юраверасиз?!
Сиз–чи, мазах қилувчилар, қачонгача мазах қилишдан завқланасиз?!
Ақлсизлар, қачонгача илм–маърифатдан нафратланасиз?!
23 Панд–насиҳатларимга қулоқ солинглар.
Мана, сизларга руҳимни бераман.
Сўзларимни очаман.
24 Лекин сизларни чақирганимда рад этдингиз,
қўлларимни узатганимда, эътибор бермадингиз.
25 Маслаҳат, панд–насиҳатларимнинг
ҳеч бирини қабул қилмадингиз.
26 Шунинг учун бошингизга фалокат келганда, мен ҳам куламан.
Ваҳимага тушганингизда, мазах қиламан.
27 Ваҳима бўрондай, фалокат эса тўфондай келганда,
кулфату машаққатлар бошга тушганда,
28 улар мени чақирадилар, лекин жавоб бермайман.
Улар мени қидирадилар, излайдилар, лекин тополмайдилар.
29 Чунки улар илм–маърифатдан нафратландилар,
Эгамиздан қўрқишни рад этдилар.
30 Маслаҳатларимни, ўгитларимни қабул қилмадилар.
31 Шунинг учун ўз қилмишларининг мевасини еб,
пушаймон бўлиб қоладилар.

32 Нодонлар йўлдан адашиб ўз жонига ўзлари зомин бўлади,
ақлсизларнинг беғамлиги ўзларини ҳалок қилади.
33 Лекин менга қулоқ солганлар осойишта ҳаёт кечиради,
ёмонликнинг ваҳимасидан халос бўлади.”

2–БОБ

Донолик Эгамиздандир

1 Ўғлим*, насиҳатларимни қабул қилиб,
амрларимни юрагингда сақласанг,
2 доноликка қулоқ солиб,
қалбингни фаҳм–идрокка очсанг,
3 фаросатга ташна,
идрокка чанқоқ бўлсанг,
4 уни кумуш излагандай изласанг,
яширин хазина қидиргандай қидирсанг,
5 Эгамиздан қўрқиш* нималигини тушунасан,
Худо кимлигини биласан.
6 Чунки доноликни Эгамиз беради,
билим ва идрок Унинг оғзидан чиқади.
7 Эгамиз тўғри одамни эсон–омон сақлайди,
тўғри юрадиганга Ўзи қалқон бўлади.
8 Адолатли инсонни ҳимоя қилади,
Унга содиқ бўлганнинг йўлини қўриқлайди.
9 Шунда сен тўғрилик, адолат, одиллик,
яъни тўғри йўл нима эканлигини тушунасан.
10 Чунки юрагингга донолик киради,
руҳинг эса билимдан завқланади.
11 Фаҳм–фаросат сени ҳимоя қилади,
ақл–идрок сени қўриқлайди.
12 Ёмон йўлдан,
ёвуз гапирадиганлардан асрайди.
13 Улар тўғри йўлни ташлаб,
қоронғиликда юради.
14 Ёмон ишлардан хурсанд бўлади,
ёвузликдан қувонади.
15 Улар йўлдан адашган,
сўқмоқлари ҳам эгридир.

16 Донолик сени зинокордан,
тилёғлама бузуқ аёлдан сақласин.
17 Бузуқ аёл ёшлигидаги умр йўлдошини ташлаб,
Худо олдида берган аҳдини бузган.
18 Унинг уйи ўлимга*,
йўллари ўликларнинг олдига олиб боради.
19 Унинг олдига борган одам қайтиб келмайди,
ҳаёт сўқмоқларига қайтиб қадам босмайди.

20 Шунинг учун яхши одамларнинг йўлидан юргин,
солиҳларнинг йўлидан чиқмагин.

21 Чунки тўғри одам ўша ерда яшайди,
пок одам у ерда қолади.
22 Фосиқ эса ер юзидан қириб ташланади,
вафосиз йўқ қилинади.

3–БОБ

Ёшларга насиҳат

1 Ўғлим*, сўзларимни унутма,
амрларимни юрагингда сақла.
2 Улар умрингга умр қўшади,
ҳаётинг тинч бўлади.

3 Севги ва садоқатни асло тарк этма.
Бўйнингга маржон қилиб тақиб ол,
юрагинг қаърига ёзиб қўй.
4 Шунда Худонинг ҳам, одамларнинг ҳам меҳрини қозонасан,
улардан иззат–ҳурмат топасан.

5 Ўз ақл–идрокингга суянма,
бутун қалбинг билан Эгамизга ишон.
6 Ҳар ишингда Эгамизни эътироф эт,
шунда У йўлларингни тўғрилайди*.
7 Ўзингни доно ҳисоблама.
Эгамиздан қўрқ*.
Ёмонликдан юз ўгиргин.
8 Шундай қилсанг жисминг соғ,
жонинг ҳам омон бўлади.

9 Ўз бойлигинг,
биринчи ҳосилинг билан Эгамизни улуғла.
10 Шунда омборинг тўлиб–тошади,
янги шаробинг етиб ортади.

11 Ўғлим, Эгамизнинг тарбиясини рад қилмагин,
Унинг танбеҳидан руҳинг тушмасин.
12 Ота яхши кўрган фарзандини* жазолагандек,
Эгамиз ҳам яхши кўрган бандасини жазолайди*.

13 Доноликка эришган,
ақл–идрок топган қандай бахтлидир!
14 Чунки унинг баҳоси кумушдан,
фойдаси олтиндан ҳам афзалроқдир.
15 У жавоҳирлардан ҳам азиздир,
сен тилаган бирор нарса Унга тенг келмайди.
16 Унинг ўнг қўлида узоқ умр,
чап қўлида эса бойлик ва шон–шуҳрат бор.
17 Йўли — шодлик йўли,
барча сўқмоқлари тинчдир.
18 Доноликни қучганлар учун у ҳаёт дарахти кабидир,

уни маҳкам тутганлар бахтлидир.

19 Эгамиз донолик билан ерни яратди,
ақл–идроки билан осмонни ўз ўрнига жойлаштирди.
20 Унинг ақли билан чуқурликлар бўлинган,
булутлардан шудринг тушган.
21 Ўғлим, донолик ва фаҳм–фаросатни маҳкам ушла,
назарингдан қочирмагин.
22 Ўшанда улар жонингга ҳаёт бахш этади,
бўйнингга безакдай бўлади.
23 Йўлингда эсон–омон юрасан,
оёғинг қоқилмайди.
24 Бехавотир ётасан,
уйқунг ширин бўлади.
25 Бехосдан келадиган офатдан қўрқма.
Ёвуз одам ҳужум қилганда ҳам қўрқма.
26 Чунки Эгамиз ёнингда бўлади,
сени қоқилишдан асрайди.

27 Яхшилик қилиш қўлингдан келса,
муҳтожлардан ёрдамингни аяма.
28 Ўзингда бор бўлса,
қўшнингга “кечроқ кел”, “эртага бераман”, деб айтма.
29 Сенга ишониб, ёнингда тинчгина яшаётган
қўшнингга қарши ёмон ният қилма.
30 Сенга ёмонлик қилмаган одам билан сабабсиз уришма.
31 Зўравонга ҳасад қилма,
у қиладиган ишларни қилма.
32 Чунки Эгамизга ёвузлар жирканчдир,
У тўғри одамга ҳамроҳ бўлади.
33 Фосиқнинг уйи Эгамизнинг лаънатига,
солиҳнинг уйи эса қут–баракага тўлади.
34 У мазах қилувчиларни мазах қилади,
камтарларга эса иноят кўрсатади.
35 Донолар шон–шуҳратга эришадилар,
нодонлар эса шармандаликка дучор бўладилар.

4–БОБ

Доноликдан келадиган фойдалар

1 Ўғилларим, отангизнинг панд–насиҳатларига қулоқ солинглар,
эътибор бериб фаросатли бўлинглар.
2 Сизларга яхши сабоқ бераман,
сўзларимдан юз ўгирманглар.
3 Мен ота–онамнинг ёлғиз, ёш ўғли эдим.
4 Болалигимда отам менга шундай дерди:
“Сўзларимни юрагингга жо қилиб,
амрларимни бажаргин, шунда яшайсан.
5 Доно бўл, идрокли бўл,
уларни унутма, сўзларимдан чиқма.

6 Доноликдан юз ўгирма, сени ҳимоя қилади,
уни севгин, сени асрайди.
7 Доноликнинг боши шудир, доно бўл,
бор–йўғингни бериб бўлса ҳам, идрок ол*.
8 Уни ҳурмат қил, сени кўкка кўтаради.
Уни қучгин, сени шон–шуҳратга эриштиради.
9 Бошингга илтифот гулчамбари,
шуҳрат тожини кийдиради.”

10 Ўғлим*, айтганларимга қулоқ солиб қабул қил,
шунда умринг узоқ бўлади.
11 Сенга донолик йўлларини ўргатдим,
тўғри йўлдан олиб юрдим.
12 Юрганингда тўсиққа учрамайсан,
югурганингда қоқилмайсан.
13 Йўл–йўриқларимни қаттиқ ушла, қўйиб юборма,
уларни қўриқла, чунки улар ҳаётингдир.
14 Фосиқнинг сўқмоқларига оёқ босма,
ёвузлар йўлидан юрма.
15 Ҳатто назар солма,
ёнидан ҳам ўтма,
қайрилиб узоқдан юргин.
16 Чунки улар ёмонлик қилмасдан ухлай олмайди,
бирортасига зарар келтирмагунча уйқулари келмайди.
17 Улар фосиқлик нонини ейди,
зўравонлик шаробини ичади.
18 Солиҳнинг йўли тонгга ўхшайди,
кун чиққунча тонг ёришаверади.
19 Фосиқнинг йўли эса зулмат кабидир,
нимага қоқилиб кетишини билмайди.
20 Ўғлим, сўзларимни эшит,
айтганларимга қулоқ сол.
21 Уларни кўз олдингдан қочирма,
юрагингнинг қаърида сақлагин.
22 Чунки уларни топганларга ҳаёт,
бутун тан–жонига малҳам бўлади.
23 Бор кучинг билан қалбингни асра,
чунки у ҳаёт булоғидир.
24 Оғзингдан эгриликни,
тилингдан айёрликни олиб ташла.
25 Кўзларинг тўғрига қарасин,
нигоҳинг олдингга қаратилган бўлсин.
26 Тўғри йўлни танлаб юр*,
қадамингни ўйлаб бос.
27 Ўнгга ҳам, чапга ҳам оғма,
ёвузликдан узоқлаш.

5–БОБ

Зинога қарши огоҳлантириш

1 Ўғлим*, донолигимга эътибор бер,
ақл–идрокимга қулоқ сол,
2 токи фаҳм–фаросатинг йўқолмасин,
билиминг сақлансин.
3 Бузуқ аёлнинг тилидан бол томади,
сўзлари — малҳамдай юмшоқ,
4 аммо оқибати заҳардай аччиқ,
ханжардай ўткирдир.
5 Оёқлари ўлим томон юради,
қадамлари ўликлар диёрига* етаклайди.
6 У ҳаётга олиб борадиган йўлга эътибор бермайди,
йўллари беқарор, ўзи буни билмайди.

7 Ўғлим*, менга қулоқ сол,
сўзларимдан чиқма.
8 У аёлдан узоқроқ юр,
унинг эшигига яқинлашма.
9 Бўлмаса, ўз обрўйингни бегоналарга,
ҳаётингни ёвузларга берган бўласан.
10 Бойлигингдан бегоналар баҳраманд бўлади,
меҳнат билан топган мол–мулкинг ўзгаларнинг уйида бўлади.
11 Умринг охирида,
вужудингу танангдан асар қолмагач,
фарёд қиласан.
12 Ўшанда шундай дейсан:
“Мен интизом ва танқиддан қанчалик нафратланар эдим–а,
13 на устозларимга,
на насиҳат берганларга қулоқ солибман.
14 Ана оқибат, жамоа орасида
ҳалокат қирғоғига келиб қолдим.”

15 Ўз сардобангдаги,
ўз қудуғингдаги сувни* ичавер.
16 Булоқларинг ташқарида,
ирмоқларинг кўчада оқсинми?!
17 Уни бегоналар билан баҳам кўрма,
фақат ўзингники бўлсин.
18 Булоғинг сувлари муборак бўлсин,
кўз очиб кўрганинг билан қувонгин.
19 Жозибали оҳу ва гўзал кийик!
Унинг оғуши сени қониқтирсин,
доим унинг севгиси билан қаноатлангин.
20 Нега энди, ўғлим, бегона хотинни кўнглинг қўмсайди?
Нимага бегона аёлнинг оғушини қучасан?
21 Инсоннинг хатти–ҳаракатлари
Эгамизнинг кўзи олдидадир.
Эгамиз одамнинг барча ишларини кузатиб туради.

22 Фосиқнинг ишлари унинг ўзини ушлайди,
гуноҳлари уни занжирбанд қилади.
23 У аҳмоқлиги туфайли йўлдан озади,
тарбиясизлиги дастидан ўлади.

6–БОБ

Кафиллик ва турли иллатларга қарши огоҳлантириш

1 Ўғлим*, ўзгага кафиллик қилиб,
бегона билан аҳдлашган бўлсанг*,
2 ўз тилингдан илиниб,
сўзларинг тузоққа етаклаган бўлса,
3 ўғлим, ўзганинг қўлига тушиб қолибсан,
ўзингни қутқар, бор, тиз чўкиб ёлвор.
4 Ўзингга уйқу берма,
бир сония ҳам дам олма.
5 Овчидан қочган оҳу каби,
беданавоз қўлидан қочган беданадай ўзингни қутқар.

6 Эй танбал, чумолиларга бир қара,
уларнинг хатти–ҳаракатларини кўриб доно бўл.
7 Уларнинг на раҳбари,
на назоратчиси, на ҳукмдори бор.
8 Лекин улар ёзда озиқ тўплашади,
ўрим пайтида дон–дун йиғишади.
9 Сен–чи, танбал, қачонгача ухлайсан?!
Қачон ўрнингдан турасан?
10 “Бир оз ухлай, бир мизғиб олай,
ёнбошлаб бирпас дам олай”, дейсан.
11 Шунинг учун қашшоқлик йўлтўсардай,
муҳтожлик қароқчидай устингга келади.

12 Айёр ва нопоклар ярамас сўзларни гапириб юрадилар.
13 Кўз қисадилар,
оёқ–қўллари билан имо–ишора қиладилар.
14 Юракларида доим ёвуз ният қилиб,
одамлар орасида жанжал чиқарадилар.
15 Шунинг учун тўсатдан офатга учрайдилар,
шифо топмай тўсатдан ҳалок бўладилар.

16 Олти нарсадан Эгамиз нафратланади,
етти нарсадан У жирканади. Булар:
17 манманлик нигоҳи, ёлғончи тил,
бегуноҳ қонни тўкадиган қўллар,
18 ёмон ниятли юрак,
ёвузликка югурадиган оёқлар,
19 ёлғон гапирадиган сохта гувоҳ,
ака–укалар орасига нифоқ солувчилардир.

Зинога қарши огоҳлантириш

20 Ўғлим, отанг насиҳатларига қулоқ сол,
онанг ўгитларини рад этма,
21 уларни доим юрагингда сақла,
бўйнингга тақиб ол.
22 Юрганингда улар сенга йўл кўрсатади,
ухлаганингда қўриқлайди,
уйғоқлигингда сенга гапиради.
23 Чунки амрлар — чироқ,
танбеҳ — ҳаёт йўли,
панд–насиҳатлар нурдир.
24 Улар сени бошқаларнинг хотинидан,
зинокор аёлнинг ширин сўзидан сақлайди.
25 Юрагингда унинг гўзаллигини орзу қилмагин,
кўзларига маҳлиё бўлма.
26 Фоҳишага биттагина нон ҳақи етарли,
аммо ўзганинг хотини билан қилинган зино
бутун ҳаётингни барбод қилади.
27 Қўйинга чўғ солганда кийимни куйдирмай бўладими?!
28 Чўғ устида юрганда оёқни куйдирмай бўладими?!
29 Ўзганинг хотини олдига кирганнинг аҳволи ҳам шундай,
бегона аёлга теккан жазосиз қолмайди.
30 Қорни очлигидан ўзини тўйдириш учун ўғрилик қилса,
одамлар ундан нафратланмайди.
31 Лекин қўлга тушиб қолганда ўғирланган молининг ҳақини
етти баробар қилиб қайтариши керак.
32 Зино қилган ақлсиздир,
ўзини ўзи нобуд қилади.
33 У кўп калтак еб шарманда бўлади,
бир умрга бадном бўлади.
34 Чунки рашк эрни ғазаблантиради,
эр қасос олганда шафқат қилмайди.
35 Ҳар қандай ҳадяни рад этади,
қанча пора берсанг олмайди.

7–БОБ

1 Ўғлим*, сўзларимни асра,
амрларимни дилингда сақла.
2 Амрларимни сақлаб яша,
таълимотимни кўз қорачиғингдек асра.
3 Уларни бармоғингга боғла,
юрагинг қаърига ёзиб қўй.
4 Доноликни синглим,
ақл–идрокни қардошим деб атагин.
5 Улар сени зинокордан,
тилёғлама бузуқ аёлдан асрайди.

Ахлоқи бузуқ аёл

6 Уйимдаги дераза панжараси ортидан қарадим,

7 содда* ёшларнинг орасида,
бир ақлсиз йигитни кўриб қолдим.
8 Йигит кўчадан ўтиб,
зинокор аёлнинг уйи томон кетаётган эди.
9 Оқшом. Кеч.
Тун қоронғи эди.
10 Шунда фоҳишага ўхшаб кийинган,
маккор ниятли аёл уни кутиб олгани чиқди.
11 У шаллақи, ўжар, ҳеч қачон уйида турмайди.
12 Бир қарасанг кўчада, бир қарасанг майдонда,
яна бир қарасанг ҳар хил бурчакда турган бўлади.
13 У йигитни қучоқлаб, ўпиб,
беномусларча шундай деди:
14 “Бугун қурбонлик келтирдим,
ваъдаларимни бажардим*.
15 Шунинг учун сени кутиб олишга чиқдим,
сени қидириб топдим.
16 Тўшагимни Мисрдан келтирилган рангли мато билан безадим.
17 Мирра*, долчин ва алоэдан бўлган хушбўй атирлар сепдим.
18 Қани, юр, тонгга қадар куёв–келиндай роҳат қилайлик,
ҳузур–ҳаловат қилайлик.
19 Эрим ҳозир уйда эмас,
узоқ сафарга кетган.
20 Бир ҳамён кумуш танга олиб кетган,
ой тўлмагунча қайтиб келмайди.”

21 Кўп ширин сўзлар ва мулойим гаплар билан
у йигитни йўлдан урди.
22 Йигит ўша заҳотиёқ, кушхонага кетаётган ҳўкиздай,
тузоққа оёқ қўяётган кийикдай* унинг орқасидан эргашди.
23 У тузоққа кираётган қушдай,
найза жигарига тегмагунча ҳаётини йўқотишини билмайди.

24 Ўғилларим, менга қулоқ солиб,
сўзларимга эътибор беринглар.
25 Юрагингиз ўша аёлнинг йўлига бурилмасин,
унинг сўқмоқларида адашманг.
26 У кўпларни ҳалок қилди,
қурбонлари ҳам кўп.
27 Унинг уйи ўликлар диёрига* етакловчи йўлдир,
ўлимга олиб боради.

8–БОБ

Доноликнинг улуғлиги

1 Донолик* чорламайдими?!
Идрок овозини баланд қилиб чақирмайдими?!
2 Қир–адирларда, йўл бўйларида,
чорраҳаларда,
3 шаҳар дарвозаларида*,

эшиклар олдида туриб жар солади:
4 “Эй инсонлар, сизларни чақиряпман,
одамзодга гапирмоқдаман.
5 Соддалар*, фаҳм–фаросатли бўлинг,
нодонлар, идрокли бўлинг.
6 Қулоқ солинг,
мен аъло гапларни гапираман, ростини айтаман.
7 Чунки тилим ҳақиқатни гапиради,
фосиқликдан эса нафратланади.
8 Ҳамма сўзларим тўғридир,
уларда на эгрилик, на бузуқлик бор.
9 Фаросатлиларга равшан,
билим оладиганларга тўғридир.
10 Кумуш ўрнига насиҳатларимни,
олтин ўрнига илм–маърифатни танланг.
11 Чунки донолик кўҳинурдан аълороқдир,
ҳеч қандай шодлик У билан тенглаша олмайди.
12 Мен, Донолик*, ақл–идрок билан яшайман,
билим ва фаҳм–фаросат мендадир.
13 Эгамиздан қўрқиш* ёмонликдан нафратланиш демакдир.
Мен мағрурлик ва манманликдан,
ёвузлик ва бузуқ тилдан нафратланаман.
14 Менда маслаҳат ва ҳақиқат бор,
мен идрокман,
қуввату куч ҳам мендадир.
15 Шоҳлар мен орқали ҳукм сурадилар,
ҳукмдорлар тўғри қонунлар чиқарадилар.
16 Мен орқали раҳбарлар бошқарадилар,
амалдор ва барча одил ҳакамлар ҳукм чиқарадилар.
17 Ким мени севса ўшани севаман,
астойдил излаганлар мени топадилар.
18 Бойлик, шуҳрат, битмас–туганмас хазина,
фаровонлик мендадир.
19 Менинг ҳосилим тоза олтиндан ҳам,
аъло кумушдан ҳам яхшироқ.
20 Мен тўғри йўлдан,
адолат сўқмоқларидан юраман.
21 Мени севганлар бойликни мерос қилиб оладилар,
уларнинг хазинасини тўлдираман.
22 Эгамиз яратиш ишларини бошламасдан олдин,
мени бунёд қилган эди.
23 Азалда, энг бошида,
дунё яратилмасдан олдин,
У мени тайинлаган эди.
24 Тубсиз денгизу бепоён уммон,
ё бирорта булоқ кўз очмай туриб,
мен дунёга келтирилганман.
25 Тоғу тош, қир–адир барпо бўлмасдан олдин
мен таваллуд топганман.

26 У ҳали на ер, на далаларни,
на ернинг тупроғини яратган эди.
27 Худо осмонни яратганда,
бепоён уммон узра фалакни барпо этганда,
мен ўша ерда эдим.
28 Осмонга булутларни жойлаб,
денгизларни сув билан тўлдирган чоғда,
29 У сув тошиб кетмасин деб амр берганда,
ерга асос солганда*,
30 мен Унинг ёнида мусаввир эдим,
қошида кундан–кунга завқланиб,
доимо қувонардим.
31 Дунёда, Унинг ерида одамзод билан хурсанд бўлардим.

32 Ўғилларим, менга қулоқ солинглар,
йўлимдан юрганлар бахтлидир.
33 Панд–насиҳатларимни тинглаб
доно бўлинглар, уни рад этманглар.
34 Ҳар куни остонамда кутиб, эшигимни пойлаб,
сўзларимга қулоқ соладиган бахтлидир.
35 Чунки мени топган ҳаёт топади,
Эгамизнинг марҳаматига сазовор бўлади.
36 Мени кўздан қочирган ўзига зарар етказади,
мендан нафратланган ўлимни севади.”

9–БОБ

Донолик ва аҳмоқлик

1 Донолик* уй қурди,
уйининг етти устунини қўйди.
2 Қурбонлик келтирди,
шароб тайёрлаб, дастурхон ёзди.
3 Хизматкорларини шаҳарнинг энг баланд жойига юбориб,
улар орқали:
4 “Ким содда* бўлса, бу ёққа келсин”, — деб чақирди,
ақлсизларга шундай деди:
5 “Келинглар, таомимдан енглар.
Мен тайёрлаган шаробдан ичинглар.
6 Ғафлатдан воз кечинглар, шунда яшайсизлар,
идрок йўлидан юринглар.”

7 Мазах қилувчига танбеҳ берган таҳқирланади,
фосиқнинг хатосини айтган ҳақоратланади.
8 Мазах қилувчига танбеҳ берма,
акс ҳолда, у сендан нафратланади.
Донога танбеҳ бер, шунда у сени севади.
9 Донога ўргатсанг, янада донороқ бўлади.
Солиҳни ўқитсанг, билимини кўпайтиради.
10 Эгамиздан қўрқиш* доноликнинг бошидир*,
Муқаддас Худони билиш идрокдир.

11 Чунки донолик туфайли умрингга умр қўшилади.
12 Доно бўлсанг ўзингга фойда,
мазах қилсанг ўзинг жабр тортасан.

13 Аҳмоқ аёл шаллақи ва фаросатсиздир,
у ҳеч нарсани билмайди.
14 Уйининг эшиги олдида,
шаҳарнинг энг баланд жойида ўтириб,
15 йўлида тўғри юрган,
ёнидан ўтиб кетаётганларни:
16 “Кимки содда бўлса, бу ёққа келсин”, — деб чақиради,
ақлсизларга шундай дейди:
17 “Ўғирланган сув ширинди,
беркитиб ейилган нон мазали.”
18 Лекин у ерда арвоҳлар борлигини,
унинг меҳмонлари ўликлар диёрининг* қаърида эканлигини билмайдилар.

Сулаймон ҳикматларининг тўплами

(10:1-22:16)

10–БОБ

1 Сулаймоннинг ҳикматлари.

Доно фарзанд отага шодлик келтиради,
нодон фарзанд* эса онага қайғу.
2 Ёвузлик билан топилган бойликдан наф йўқ,
тўғрилик эса ўлимдан қутқаради.
3 Эгамиз солиҳнинг оч қолишига йўл қўймайди,
лекин фосиқнинг хоҳишини бажо қилмайди.
4 Дангаса қўллар қашшоқлик келтиради,
тиришқоқ қўллар эса бойлик.
5 Ёз пайтида ҳосил йиққан — доно ўғил,
ўрим пайти ухлаган эса отасига уят келтиради.
6 Солиҳнинг бошида — барака,
фосиқнинг тили эса ёвузлик конидир.
7 Солиҳнинг хотираси муборак бўлади,
фосиқнинг номи ёддан кўтарилади.
8 Юрагида донолик бўлган амрларни қабул қилади,
эзма нодон эса ҳалок бўлади.
9 Тўғри юрган хавф–хатарни билмайди,
йўлдан оғган эса жазо топади.
10 Кўз қисган қайғуга сабаб бўлади,
эзма нодон ҳалок бўлади.
11 Солиҳнинг тили — ҳаёт булоғи,
фосиқнинг тили — ёвузлик кони.
12 Нафрат жанжал қўзғайди,
севги–муҳаббат эса ҳамма гуноҳларни кечиради.
13 Идроклининг сўзларида — донолик,

нодоннинг орқасида эса қамчи.
14 Донолар билимини орттиради,
нодоннинг тили эса ҳалокат келтиради.
15 Бойнинг қалъаси — бойлиги,
камбағалнинг ҳалокати эса камбағаллигидадир.
16 Солиҳнинг ҳақи — ҳаёт,
фосиқники эса жазо.
17 Насиҳатга қулоқ солган ҳаёт йўлидадир,
танбеҳни тан олмаган йўлдан адашади.
18 Нафратини яширган — ёлғончи,
ғийбат тарқатувчи аҳмоқдир.
19 Гап–сўз кўп бўлса, жанжал ҳеч қачон тўхтамайди,
тилини тийган эса донодир.
20 Солиҳнинг тили олтин кабидир,
фосиқнинг қалби эса ҳеч нарсага арзимайди.
21 Солиҳнинг тили кўпларни озиқлантиради,
нодон эса ақлсизлиги туфайли ҳалок бўлади.
22 Эгамизнинг марҳамати бойлик келтиради,
Эгамиз бойликка ғам–ташвиш қўшмайди*.
23 Аҳмоқ ёмонлик қилишдан,
ақлли эса доноликдан завқланади.
24 Фосиқ нимадан қўрқса, ўшанга дучор бўлади,
солиҳ эса орзусига етишади.
25 Қуюндан кейин фосиқлар йўқ бўлади,
солиҳлар эса абадий мустаҳкамдир.
26 Дангасага иш буюрсанг,
у сен учун тишга қўйилган сиркадай,
кўзга кирган тутундай бўлади.
27 Эгамиздан қўрқиш* умрга умр қўшади,
фосиқнинг умри эса қисқаради.
28 Солиҳнинг орзуси қувонч келтиради,
фосиқнинг нияти эса пучга чиқади.
29 Эгамизнинг йўли солиҳлар учун қалъа,
ёмонлик қиладиганлар учун эса ҳалокатдир.
30 Солиҳ ҳеч қачон ўрнидан қўзғатилмайди,
фосиқ эса ўша ерда яшамайди.
31 Солиҳнинг тили донолик келтиради,
ёмон тил эса кесиб ташланади.
32 Солиҳнинг тили марҳамат келтиради,
фосиқнинг тили эса эгрилик.

11–БОБ

1 Ёлғон тарози Эгамиз учун жирканчдир,
аниқ тарози тошлари эса Унинг қувончидир.
2 Мағрурлик билан шармандалик келади,
донолик эса камтарлар биландир.
3 Тўғриларнинг софдиллиги йўл кўрсатса,
хоинларнинг иккиюзламачилиги ҳалок қилади.
4 Қиёмат кунида бойлик фойда бермайди,

солиҳлик эса ўлимдан сақлайди.
5 Покдилнинг солиҳлиги йўлини тўғрилайди,
фосиқ эса фосиқлиги туфайли қоқилади.
6 Тўғрининг солиҳлиги нажот беради,
сотқин эса ёмон ниятлари туфайли тутилади.
7 Ёвуз ўлса, орзу–умидлари ҳам ўлади,
фосиқнинг ҳам хоҳиш–тилаклари поймол бўлади.
8 Солиҳ ғам–ғуссадан қутулади,
фосиқ эса ғамга дучор бўлади.
9 Имонсиз ўз тили билан қўшнисини ҳалок қилади,
солиҳ эса илм–маърифати туфайли нажот топади.
10 Солиҳнинг иши юришса, эл–юрт қувонади,
фосиқ ҳалок бўлса, тантана бўлади.
11 Тўғри одамлар туфайли шаҳар гуллаб–яшнайди,
фосиқнинг тилидан эса эл–юрт вайрон бўлади.
12 Қўшнисини камситган ақлсиздир,
идрокли сукут сақлайди.
13 Ғийбатчи сирларни очади,
содиқ эса сир сақлайди.
14 Йўл–йўриқ кўрсатувчиси бўлмаган халқ ҳалок бўлади,
маслаҳатчилар кўп бўлса, ғалаба келади.
15 Бегонага кафиллик қилган кўп жабр кўради,
кафил бўлишдан нафратланадиган эса тинчгина юради.
16 Меҳрибон хотин иззат–ҳурмат топади,
зўравон эса бойликдан бошқа ҳеч нарсага эришмайди.
17 Шафқатли инсон ўз жонига манфаат келтиради,
бағри тош эса ўзига зарар етказади.
18 Худонинг йўлидан юрганлар ҳақиқий мукофотни,
фосиқлар эса ёлғон мукофотни оладилар.
19 Солиҳликни кўзлаган инсон ҳаётга,
ёмонликни кўзлаган эса ўз ўлимига эришади.
20 Эгри юрак Эгамизга жирканч,
покларнинг ишлари эса Унинг қувончидир.
21 Фосиқ асло жазосиз қолмайди,
солиҳнинг эса авлодлари ҳам нажот топадилар.
22 Чиройли, аммо фаросатсиз аёл,
бурнига тилла сирға таққан чўчқа мисол.
23 Солиҳнинг хоҳиши фақат эзгулик,
фосиқнинг кутганлари эса қаҳр–ғазабдир.
24 Баъзиларнинг қўли очиқ, аммо бойлиги кўпаяверади.
Баъзилар ҳаддан ташқари тежамкор, аммо қашшоқлашаверади.
25 Сахийнинг бири икки бўлади,
бошқаларга яхшилик қилганнинг ўзи ҳам яхшилик кўради.
26 Ғалласини қизғанганни халқ қарғайди,
сотганларга эса барака ёғилади.
27 Эзгуликка интилган илтифот топади,
ёмонлик қидирганга эса ёмонлик келади.
28 Бойлигига ишонган хонавайрон бўлади,
солиҳ эса барг каби яшнайди.

29 Ўз оиласига ғам–ташвиш келтирадиганлар мерос олмайди,
нодонлар донога қул бўлади.
30 Солиҳларнинг маҳсули — ҳаёт дарахти,
оқилу донолар одамларнинг юрагидан жой олади.
31 Дунёда солиҳ қанча тақдирланса,
фосиқ билан гуноҳкор ундан ҳам кўпроқ жазоланади.

12–БОБ

1 Насиҳатни севган илм–маърифатни севади,
танбеҳдан нафратланадиган эса аҳмоқдир.
2 Яхши одам Эгамизнинг марҳаматига сазовор бўлади,
нияти бузуқни эса У жазога ҳукм этади.
3 Инсон ёвузлик билан камол топмайди,
солиҳ ҳеч қачон ўрнидан қўзғатилмайди.
4 Яхши хотин эрининг бошидаги тожидир,
эрини уялтирадиган хотин бошга балодир.
5 Солиҳнинг фикри–зикри — адолат,
фосиқнинг маслаҳати эса ёлғондир.
6 Фосиқнинг сўзи қонга ташна,
тўғрининг тили эса қутқаради.
7 Фосиқ ҳалокатга учраб йўқ бўлади,
солиҳнинг уйи эса мустаҳкам туради.
8 Инсонни ақл–идрокига қараб улуғлайдилар,
эгри одам эса нафратга дучор бўлади.
9 Ўзини катта тутиб нонга зор бўлгандан кўра,
оддий бўлиб хизматкор бўлиш яхшироқ.
10 Солиҳ ҳайвонга ҳам меҳрибонлик қилади,
фосиқнинг раҳмдиллиги ҳам золимликдир.
11 Ерга ишлов берган тўйиб нон ейди,
бекор нарсани кўзлаган эса ақлсиздир.
12 Фосиқ ёвузлик тўрига илинтирай дейди,
солиҳнинг илдизи яшнайди.
13 Фосиқ ўз тилидан илинади,
солиҳ эса ғамдан фориғ бўлади.
14 Одам сўзлари туфайли яхши нарсага эришади,
меҳнати уни тақдирлайди.
15 Нодон ўз йўлини тўғри деб ўйлайди,
доно эса маслаҳатга қулоқ солади.
16 Нодон ғазабини дарҳол билдиради,
ақли расо эса ҳақоратланганини беркитади.
17 Тўғри гапирадиган ҳақиқатни айтади,
сохта гувоҳ ёлғон гапиради.
18 Ўйламасдан айтилган сўз қиличдай жароҳатлайди,
дононинг гаплари эса шифо беради.
19 Ростгўй лаблар абадийдир,
ёлғон тил эса бир лаҳзаликдир.
20 Ёмон ният қиладиганнинг юрагида ёлғон,
тинчлик ўрнатувчининг юрагида эса қувонч бор.
21 Солиҳга ҳеч қандай зарар тегмайди,

фосиқ эса ғам–ғуссадан қутулмайди.
22 Ёлғончи тил Эгамизга жирканч,
тўғрилик билан иш қиладиганлар эса Унинг севинчидир.
23 Ақлли билимини кўз–кўз қилмайди,
нодон ўз нодонлигини ошкор қилади.
24 Тиришқоқ ҳукм суради,
дангаса эса қул бўлади.
25 Юракдаги қайғу–алам одамни эзади,
ширин сўз эса юракни шод этади.
26 Солиҳ ўзгаларга йўл кўрсатади*,
фосиқ эса йўлдан адаштиради.
27 Дангаса ўлжасини пиширишга ҳам эринади,
ғайратли эса қимматбаҳо бойликка эга бўлади*.
28 Солиҳлик йўли ҳаётга етаклайди,
бу йўлда ўлим йўқдир.

13–БОБ

1 Ақлли фарзанд* отасининг насиҳатларини қабул қилади,
мазах қилувчи эса танбеҳга қулоқ солмайди.
2 Яхши одам сўзлари билан яхшиликка эришади,
хоин эса зўравонликка.
3 Тилини тийган жонини асрайди,
тилига эрк берган эса ҳалокатга учрайди.
4 Дангасанинг кўнгли хоҳлайди–ю,
аммо ҳеч нарсага эриша олмайди,
тиришқоқ эса орзусига етишади.
5 Солиҳ ёлғондан нафратланади,
фосиқ эса уятли ва шармандали ишлар қилади.
6 Солиҳлик тўғри юрадиганни ҳимоя қилади,
фосиқлик эса гуноҳкорни ҳалок қилади.
7 Шундай одам бор, ҳеч нарсаси йўғ–у, ўзини бой кўрсатади.
Яна шундай одам бор, бойлиги кўп–у, ўзини қашшоқ кўрсатади.
8 Жоннинг ҳақи — унинг бойлиги,
камбағал эса дўқ–пўписадан қўрқмайди.
9 Солиҳларнинг чироғи доим чароғон,
фосиқники эса ўчиб қолади.
10 Мағрурликдан фақат уруш чиқади,
насиҳатга қулоқ солган одамда эса донолик бор.
11 Ҳийла билан топилган давлат йўқолади,
меҳнат билан топилгани эса кўпаяди.
12 Рўёбга чиқмаган умид юракни эзади,
ушалган орзу эса ҳаёт дарахти кабидир.
13 Панд–насиҳатлардан нафратланган
ўзига ҳалокат келтиради,
амрга қулоқ солган эса тақдирланади.
14 Дононинг таълимоти ҳаёт манбаидир,
у одамни ўлим тузоғидан асрайди.
15 Идрокли инсон марҳаматга эришади,
хоиннинг йўли эса машаққатлидир*.

16 Зукко одам ақл билан иш қилади,
ақлсиз эса аҳмоқлигини кўрсатади.
17 Ёмон хабарчи кулфат олиб келади,
содиқ хабарчи эса юракка шифо келтиради.
18 Насиҳатга қулоқ солмаганларга қашшоқлик ва уят келади,
танбеҳга қулоқ солганлар эса ҳурмат ва иззат топади.
19 Амалга ошган тилак жонга роҳат беради,
нодон одам ёмонликдан айрилишни рад этади.
20 Донога ҳамроҳ бўлган доно бўлади,
аҳмоққа йўлдош бўлган эса ҳалок бўлади.
21 Бахтсизлик гуноҳкорнинг кетидан қувиб юради,
солиҳнинг мукофоти эса бахт–саодатдир.
22 Яхши одам болаларининг болаларига ҳам мерос қолдиради,
фосиқнинг бойлиги эса солиҳга насиб этади.
23 Камбағалнинг даласида ғалла мўл,
лекин адолатсизлик туфайли вайрон бўлади.
24 Калтакни ўғлидан аяган одам уни ёмон кўради,
ўғлини севган эса ёшликдан тартиб–интизомга ўргатади.
25 Солиҳ қорни тўйиб овқат ейди,
фосиқ эса оч қолади.

14–БОБ

1 Доно хотин ўз оиласини мустаҳкамлайди,
нодон хотин эса оиласини ўзи бузади.
2 Тўғри йўлдан юрадиган Эгамиздан қўрқади*,
эгри йўлдан юрадиган эса Уни рад этади.
3 Аҳмоқнинг сўзлари ўзига калтак келтиради,
донолики эса уни ҳимоя қилади.
4 Ҳўкиз бўлмаса охур тоза,
лекин ҳўкизнинг кучи туфайли ҳосил кўп бўлади.
5 Содиқ гувоҳ ёлғон гапирмайди,
сохта гувоҳ ёлғон гапиришдан тўхтамайди.
6 Мазах қилувчи доноликни қидиради, аммо тополмайди,
идроклига эса билим олиш осон.
7 Ақлсиздан узоқлаш,
чунки ундан маъноли сўз чиқмайди.
8 Зийракнинг донолиги ўз йўлини билишидадир,
ақлсизнинг аҳмоқлиги эса уни йўлдан адаштиради.
9 Аҳмоқ одам айб қурбонлиги устидан кулади*,
тўғри одам эса Худонинг марҳаматига сазовор бўлади.
10 Юрак ўз дардини ўзи билади,
унинг шодлигини ҳам ҳеч ким тўлиқ тушунмайди.
11 Фосиқларнинг уйи хароба бўлади,
солиҳларнинг хонадони эса гуллаб–яшнайди.
12 Шундай йўл борки, инсонга тўғри бўлиб кўринади,
аммо охири ўлимга олиб боради.
13 Кулса ҳам юракда қайғу бор,
хурсандчиликнинг охири ғамдир.
14 Юраги қинғир ўз эгрилигидан,

яхши одам эса тўғрилигидан мамнун.
15 Содда* ҳар бир сўзга ишонаверади,
ақлли эса қадамини ўйлаб босади.
16 Доно қўрқиб ёмонликдан узоқлашади,
нодон эса жаҳли тез ва бепарво*.
17 Баджаҳл ақлсизлик қилади,
бадният нафратга учрайди.
18 Соддаларнинг насибаси — нодонлик,
ақллиларнинг тожи эса илму маърифатдир.
19 Ёмонлар яхшиларнинг олдида,
фосиқлар солиҳларнинг дарвозасида таъзим қилади.
20 Камбағалдан қўшнилари ҳам нафратланади,
бойнинг эса ўртоқлари кўп.
21 Қўшнисини хор қилган — гуноҳкор,
муҳтожга марҳамат қилган эса бахтлидир.
22 Нияти бузуқлар йўлдан адашади.
Яхши ниятлилар эса севги ва садоқатга сазовор бўлади.
23 Ҳар бир меҳнатдан фойда бор,
қуруқ гап эса камбағаллик келтиради.
24 Оқилларнинг тожи — донолиги,
ақлсизнинг нодонлиги эса аҳмоқлигидир.
25 Ростгўй гувоҳ жонни қутқарса,
ёлғончи гувоҳ алдайди.
26 Эгамиздан қўрқиш — мустаҳкам қалъа,
фарзандларига ҳам Ўзи паноҳдир.
27 Эгамиздан қўрқиш ҳаёт манбаидир,
бундай хислат одамни ўлим тузоғидан асрайди.
28 Халқнинг кўплиги — шоҳнинг шуҳрати,
камлиги эса ҳокимнинг ҳалокатидир.
29 Сабр–тоқатли одам ақл–идроклидир,
жаҳлдорлик аҳмоқликни билдиради.
30 Хотиржам юрак танага ҳаёт бахш этади,
ҳасадгўйлик эса суякларни чиритади.
31 Камбағалга зулм қилган Яратувчини таҳқирлаган бўлади,
муҳтожга ёрдам берган эса Худони улуғлаган бўлади.
32 Фосиқ ўз қилмишлари туфайли ҳалокатга учрайди,
солиҳ эса ўлимда ҳам паноҳ топади.
33 Донолик оқилнинг қалбида яшайди,
нодонлар орасида ҳам ўзини билдиради*.
34 Солиҳлик халқни юксалтирса,
гуноҳ шарманда қилади.
35 Донолик билан иш қиладиган қул шоҳнинг марҳаматига сазовордир,
шармандали иш қиладиган эса унинг ғазабига учрайди.

15–БОБ

1 Юмшоқ жавоб ғазабни қайтаради,
қаттиқ сўз эса жаҳл чиқаради.
2 Донолар тилидан илм–ҳикмат ёғилса,
нодонлардан аҳмоқлик чиқади.

3 Эгамизнинг кўзлари ҳамма жойда,
У яхшию ёмонни кўриб туради.
4 Ширин сўз — ҳаёт дарахти,
бузуқ тил — жоннинг ҳалокати.
5 Отасининг насиҳатини аҳмоқ рад этади,
танбеҳга қулоқ солган эса идроклидир.
6 Солиҳнинг уйида бойлик кўп,
фосиқнинг ҳосили эса ташвиш келтиради.
7 Дононинг тили билим тарқатади,
аҳмоқнинг қалби эса ундай эмас.
8 Фосиқнинг қурбонлиги Эгамизга жирканчдир,
тўғрининг ибодати эса Унинг қувончи.
9 Фосиқнинг ишлари Эгамизга жирканчдир,
солиҳликка интилганни эса У севади.
10 Тўғри йўлни ташлаб кетган қаттиқ жазо олади,
танбеҳдан нафратланган ўлади.
11 Ҳатто Ўлим* ва Ҳалокат* ҳам Эгамиз нигоҳи остида экан,
одамзоднинг қалби Унга ҳеч нарса эмас.
12 Масхара қилувчи танбеҳ берганларни ёқтирмайди,
у донолар олдига ҳам бормайди.
13 Юрак шод бўлса, чеҳра очиқ,
ғамгин бўлса, руҳ тушкундир.
14 Заковатли юрак илм қидиради,
ақлсизнинг оғзи аҳмоқлик излайди.
15 Қийналганларга ҳар кун ташвиш,
лекин юрагида шодлик бўлса, доимо байрам.
16 Кўп бойликка эга бўлиб ваҳима билан яшагандан кўра,
Эгамиздан қўрқиб* озгина бойлик билан яшаш яхшироқ.
17 Гўшт еб нафрат билан яшашдан,
сабзавот еб севги билан яшаган афзалроқ.
18 Баджаҳл жанжал чиқаради,
жаҳлни тиядиган эса тинчлантиради.
19 Дангасанинг йўли тиканли четан девор каби,
тўғрининг сўқмоғи эса катта равон йўлдир.
20 Ақлли фарзанд* отасини қувонтиради,
ақлсиз эса онасини хор қилади.
21 Аҳмоқлик виждонсизга қувончдир,
ақлли эса тўғри юради.
22 Маслаҳат бўлмаган жойда иш юришмайди,
маслаҳатчи кўп бўлса, муваффақиятли бўлади.
23 Одам яхши жавоби туфайли қувонади,
ўз вақтида айтилган сўз қанчалик яхши.
24 Донога тепадаги ҳаёт сўқмоғи
пастдаги ўликлар диёридан узоқлашиш учундир.
25 Эгамиз такаббурнинг уйини вайрон қилади,
беванинг мол–мулкини сақлайди.
26 Фосиқнинг ниятлари Эгамизга жирканч,
ёқимли сўзлар эса покдир.
27 Очкўз ўз уйига ташвиш келтиради,

порадан нафратланадиган эса яшайди.
28 Солиҳ ўйлаб жавоб беради,
фосиқнинг оғзидан эса ёмонлик чиқаверади.
29 Эгамиз фосиқлардан узоқда,
лекин солиҳларнинг ибодатини эшитади.
30 Кўздаги нур кўнгилни хушнуд этади,
хушхабар тан–жонга озиқ беради.
31 Ҳаётбахш насиҳатга қулоқ солган
доноларнинг орасида бўлади.
32 Насиҳатни рад қилган ўз жонини хор қилади,
танбеҳга қулоқ солган эса идрокли бўлади.
33 Эгамиздан қўрқиш доноликни ўргатади,
камтарлик иззату икромга сазовор қилади.

16–БОБ

1 Режалар одамнинг юрагида,
тилдаги жавоб эса Эгамиздан.
2 Одамнинг қилмишлари унинг назарида тўғри,
лекин Эгамиз юракнинг поклигини ўлчайди.
3 Ишларингни Эгамизга топшир,
шунда режаларинг мустаҳкам бўлади.
4 Ҳамма нарсани Эгамиз Ўз мақсади билан яратган,
ҳатто фосиқларнинг ҳам қисматини белгилаб қўйган.
5 Барча такаббурлар Эгамизга жирканч,
улар жазосиз қолмайдилар.
6 Севги ва садоқат туфайли гуноҳ кечирилади,
Эгамиздан қўрқиш* ёмонликдан узоқлаштиради.
7 Эгамизга инсоннинг йўллари маъқул келганда,
душманлари билан ҳам яраштиради.
8 Адолатсиз келган кўп даромаддан,
ҳалол меҳнат билан топилган озгинаси яхшироқ.
9 Одам юрагида ният қилади,
унинг қадамини эса Эгамиз бошқаради.
10 Худонинг сўзлари шоҳнинг тилида,
ҳукм қилганда хато қилмайди.
11 Тўғри тарозию паллалар Эгамизникидир,
тарози тошларини ҳам Худо яратган.
12 Шоҳнинг ёмонлик қилиши қабиҳликдир*,
чунки унинг тахти адолат туфайли мустаҳкам.
13 Тўғри сўз шоҳнинг қувончидир,
у ростгўйларни яхши кўради.
14 Шоҳнинг ғазаби ўлим даракчисидир,
доно уни тинчлантиради.
15 Шоҳ юзидаги табассум ҳаётдан нишона,
унинг марҳамати ёмғир келтирадиган булут кабидир.
16 Доно бўлиш — олтиндан,
идрок топиш эса кумушдан ҳам яхшироқдир.
17 Тўғрининг йўли ёмонликдан узоқлаштиради,
қадамини билиб босган одам ўз жонини асрайди.

18 Мағрурликнинг ортидан ҳалокат келади,
такаббурликдан сўнг эса одам қоқилади.
19 Такаббурлар билан ўлжа бўлишгандан кўра,
камтарин бўлиб камбағаллар орасида яшаш яхшироқ.
20 Гапга тушунадиган яхшилик топади,
Эгамизга умид боғлаган бахтли бўлади.
21 Қалбида донолик бўлган фаросатли деб аталади,
ширинсуханлик ақл–идрокни кўпайтиради.
22 Идрок ўзининг соҳиби учун ҳаёт булоғи,
аҳмоқлик эса аҳмоққа жазодир.
23 Дононинг юраги тилига идрок беради,
сўзларини ишончли қилади.
24 Ёқимли сўз асал кабидир,
жонга роҳат, суякларга малҳамдир.
25 Шундай йўл борки, инсонга тўғри бўлиб кўринади,
аммо охири ўлимга олиб боради.
26 Меҳнат қиладиган одам ўзи учун ишлайди,
чунки оч қорни уни ундайди.
27 Ярамас одам ёмонликни қўзғайди,
сўзлари куйдирадиган олов кабидир.
28 Маккор жанжал чиқаради,
ғийбатчи эса яқин дўстларни ажратади.
29 Ёвуз ўзгани алдаб, ёмон йўлга бошлайди.
30 Кўзини қисган — ёмон ниятда,
лабини тишлаган эса ёвузлик қилган.
31 Оқарган сочлар — шарофат тожи,
солиҳлик йўлида юрган унга эришади.
32 Жаҳлини тийган — қудратлидан,
ўзини тута биладиган эса шаҳарни енггандан яхшироқ.
33 Қуръа ташланади*,
аммо барча қарор Эгамиздандир.

17–БОБ

1 Дастурхони тўла жанжалли уйдан,
бир тишлам қаттиқ нони бор тинч хонадон яхшироқ.
2 Шармандали иш қиладиган ўғил устидан фаросатли қул ҳукмронлик
қилади,
у хўжайинининг ўғиллари қатори меросга шерик бўлади.
3 Кумуш ва олтин оловда синалади,
одамларнинг қалбини эса Эгамиз синайди.
4 Фосиқлар ёвуз одамларнинг гапига киради,
ёлғончилар эса ғийбатга қулоқ солади.
5 Камбағални мазах қилган одам уларни Яратганни таҳқирлайди,
бировнинг бахтсизлигидан қувонган жазосиз қолмайди.
6 Набиралар — кексаларнинг тожу тахти,
оталар ўғилларнинг шон–шуҳратидир.
7 Яхши сўз нодонга ярашмагандек,
ёлғон ҳам улуғсифат одамга асло тўғри келмайди.
8 Ўз эгасининг назарида пора сеҳрли қимматбаҳо тош,

гўё ҳамма ерда омад келтиради.
9 Гуноҳни кечирган дўстликни сақлайди,
уни кавлаштирган эса дўстни узоқлаштиради.
10 Донога берилган битта танбеҳ
нодоннинг бошида синган юзта калтакдан таъсирлироқ.
11 Фосиқ фақат ғалаён пайида бўлади,
шунинг учун унга ёвуз элчи юборилади.
12 Тентакнинг аҳмоқлигига йўлиққандан кўра,
болаларидан айрилган она айиққа дуч келган яхшироқ.
13 Яхшиликка ёмонлик қилганнинг хонадонидан
ёмонлик аримайди.
14 Жанжалнинг бошланиши — сув уриб кетишига ўхшайди,
жанжал чиқмасдан уни тўхтат.
15 Фосиқни оқлаш, солиҳни айблаш —
иккови ҳам Эгамизга жирканчдир.
16 Бу нима?!
Нодоннинг қўлида бойлик бор,
“Донолик сотиб олай”, — дейди, лекин унда ақл йўқ.
17 Ҳақиқий дўст ҳар доим севади,
ака–укалар ҳам оғир кун учун туғилган.
18 Қўл ташлаб бировга кафиллик қиладиган ақлсиздир*.
19 Гуноҳни яхши кўрган уруш–жанжални севар,
ўзига бино қўйган* ҳалокат қидирар.
20 Юраги маккор одам яхшиликка эришмайди,
эгри тил кулфатга дучор бўлади.
21 Нодон фарзанд кўрган қайғу чекади,
аҳмоқнинг отаси шодлик нималигини билмайди.
22 Шод юрак — шифобахш дори,
ғам–кулфат эса жоннинг эговидир.
23 Фосиқ қўйнидан пора олиб
адолат йўлини ўзгартиради.
24 Фаҳм–фаросатли инсон доноликка қарайди,
нодоннинг кўзи эса дунёнинг нариги четида.
25 Аҳмоқ фарзанд* — отасига қайғу,
уни туққан онага ғамдир.
26 Солиҳни жазолаш,
амалдорни одиллиги учун койиш яхши эмас.
27 Кам гапирган — доно,
оғир, вазмин одам идроклидир.
28 Ҳатто аҳмоқ ҳам индамай ўтирганда доно бўлиб кўринади,
тилини тийиб турган фаросатли ҳисобланади.

18–БОБ

1 Бошқалардан ажралган ўз истагини қондиришни хоҳлайди,
у ҳамма доно насиҳатга қарши чиқади.
2 Нодон ақл–идрокни ёқтирмайди,
фақат ўзини кўрсатади.
3 Фосиқлик дастидан шармандалик келади,
ҳурматсизлик эса уят келтиради.

4 Доно сўзлар чуқур сувлардай туганмасдир,
донолик булоғи ошиб–тошган ирмоқдир.
5 Фосиқнинг тарафини олиш,
ҳукмда солиҳни айблаш яхши эмас.
6 Аҳмоқнинг тили жанжал чиқаради,
сўзлари эса калтак келтиради.
7 Аҳмоқнинг тили ўзига ҳалокат,
сўзлари жонига тузоқдир.
8 Ғийбатчининг сўзи ширин овқат кабидир,
одамнинг бутун аъзойи баданига сингиб кетади.
9 Ишда дангаса бўлган одам бузғунчига оғайнидир.
10 Эгамизнинг номи мустаҳкам қалъадир,
солиҳ у ерга бориб эсон–омон бўлади.
11 Бойнинг бойлиги қалъасидир,
унинг назарида шаҳарнинг баланд девори кабидир.
12 Такаббурлик ҳалокатга олиб боради,
камтарлик эса иззату икромга сазовор қилади.
13 Охиригача тингламай жавоб берган аҳмоқдир,
у шарманда бўлади.
14 Одамнинг руҳи касалликка чидай олади,
лекин тушкун руҳга ким тоқат қила олади?!
15 Ақллининг қалби билим олади,
доно илму маърифатга интилади.
16 Совға эгасига ҳамма эшикларни очади,
катта одам олдига олиб боради.
17 Биринчи гапирган одам
бошқаси келиб текширмагунча, ҳақ кўринади.
18 Қуръа* жанжални тўхтатади,
кучли рақибларни ҳам ажратади.
19 Хафа бўлган биродарга яқинлашиш
кучли шаҳарни олишдан ҳам қийин,
ўртадаги жанжал қалъанинг қулфига ўхшайди.
20 Одамнинг қорни оғзининг маҳсули билан тўяди,
тилининг самараси билан қониқади.
21 Ўлим ҳам, ҳаёт ҳам тилнинг ҳукмидадир,
бирисини севган мевасини ейди.
22 Хотин топган бахт топиб,
Эгамизнинг марҳаматига сазовор бўлади.
23 Камбағал илтижо билан гапиради,
бой эса қўпол жавоб беради.
24 Шундай дўст борки, у ҳалокат келтиради,
дўст борки, у туғишгандан ҳам яқинроқдир.

19–БОБ

1 Тўғри юрадиган камбағал
эгри тилли аҳмоқдан яхшироқ.
2 Билимсиз истак яхши эмас,
шошқалоқлар ҳам қоқилади.
3 Нодоннинг нодонлиги ҳаётини бузади–ю,

Эгамиздан жаҳли чиқади.
4 Бойлик дўстлар устига дўст келтиради,
камбағал эса дўстидан ҳам айрилади.
5 Сохта гувоҳ жазосиз қолмайди,
ёлғон гапирувчи ҳам қочиб қутулмайди.
6 Аъёнларнинг марҳаматини истайдиган кўп,
совға берувчига ҳамма дўстдир.
7 Камбағалдан ҳамма ака–укалари нафратланади,
дўстлари ҳам узоқлашади,
қидирганда уларнинг изи ҳам йўқ.
8 Доноликка эришган ўз жонини севади,
фаросатли киши яхшилик топади.
9 Сохта гувоҳ жазосиз қолмайди,
ёлғончи ҳалок бўлади.
10 Ҳашаматли яшаш аҳмоққа ярашмаганидек,
хўжайин устидан ҳокимлик қилиш ҳам
қулга тўғри келмайди.
11 Одамнинг ақли жаҳлини тияди,
гуноҳни кечириш унга шуҳрат келтиради.
12 Шоҳнинг ғазаби шернинг ўкиришига ўхшайди,
муруввати эса майсадаги шабнам кабидир.
13 Нодон фарзанд отасига ташвиш келтиради,
хотиннинг жанжали бетўхтов томадиган чаккадайдир.
14 Уй ва бойлик — отадан мерос,
фаросатли хотин эса Эгамиздандир.
15 Дангасалик одамни уйқучи қилади,
ялқов одам оч қолади.
16 Амрларга амал қилган ўз жонини асрайди,
ўз ҳаётини хор қилган эса ўлади.
17 Камбағалга раҳм қилиш — Эгамизга қарз беришдай,
У яхшиликни қайтаради.
18 Умид бор экан, фарзандингни* тарбия қил,
бузилиб, нобуд бўлишига йўл қўйма.
19 Жаҳлдор жазосини олади,
уни бир қутқарсанг яна қутқаришингга тўғри келади.
20 Насиҳатга қулоқ сол, панд–ўгитни қабул қил,
шунда умринг бўйи оқил бўласан.
21 Инсоннинг юрагида ният кўп,
лекин фақат Эгамизнинг айтгани амалга ошади.
22 Инсоннинг истаги — садоқатли севги,
камбағал одам ёлғончидан яхшироқдир.
23 Эгамиздан қўрқиш* ҳаётга элтади,
одам ҳузур–ҳаловатда яшаб ташвишга учрамайди.
24 Дангаса қўлини косага чўзади–ю,
оғзига олиб келишга эринади.
25 Мазах қилувчининг таъзирини бер!
Шунда содда* одамларга ақл киради.
Фаросатлига танбеҳ бер!
Шунда унинг билими ошади.

[26] Отасига зўравонлик қилиб, онасини ҳайдаган ўғил
уят ва шармандалик келтиради.
[27] Эй ўғлим*, агар насиҳатга қулоқ тутмасанг,
илм–маърифатдан юз ўгирган бўласан.
[28] Маккор гувоҳ адолат устидан кулади,
фосиқнинг оғзи ёвузликни ўзига олади.
[29] Мазах қилувчиларга ҳукм,
нодонларга калтак тайёрдир.

20–БОБ

[1] Шароб — мазахчи, ароқ — жанжалкаш,
уларга алданганлар нодондир.
[2] Шоҳнинг ғазаби — шернинг ўкиришидай,
унинг жаҳлини чиқарган жонидан маҳрум бўлади.
[3] Жанжалдан ўзини тортиш — инсоннинг ҳурмати,
аҳмоқ эса жанжалга аралашади.
[4] Дангаса кузда* ер ҳайдамайди,
ўрим пайти эса қидириб ҳеч нарса тополмайди.
[5] Инсоннинг фикрлари — чуқур сув кабидир,
фаҳмли одам уларни ташқарига чиқара олади.
[6] Кўпчилик ўзини содиқ деб айтади,
ҳақиқатан ҳам садоқатли бўлганни топиб кўр–чи!
[7] Солиҳ ҳалол яшайди,
унинг болалари нақадар бахтлидир!
[8] Ҳукмронлик қилаётган шоҳ
ўз кўзи билан барча ёмонликларни ажратади.
[9] “Қалбимни тозаладим, гуноҳимдан холиман”, деб
ким айта олади?!
[10] Икки турли тарози тоши ва нотўғри ўлчов —
иккови ҳам Эгамизга жирканчдир.
[11] Ҳатто ёш болани ҳам хулқидан,
тўғрилигини ва поклигини ишларидан билса бўлади.
[12] Эшитадиган қулоқ, кўрадиган кўз —
икковини ҳам Эгамиз яратган.
[13] Уйқуни яхши кўрма,
бўлмаса камбағал бўласан,
кўзларингни оч, қорнинг тўяди.
[14] Харидор: “Яхши эмас, яхши эмас!” дейди–ю,
нарироққа бориб мақтанади.
[15] Олтин бор, ёқут тошлар ҳам кўп,
бироқ энг қимматбаҳо нарса — билимли тил.
[16] Бегонага кафиллик қилганнинг* тўнини ечиб ол,
ҳа, бундай ақлсиз одамдан кийимини гаров қилиб ол.
[17] Ноҳақлик билан топилган нон ширин,
аммо кейин оғиз тупроқ билан тўлади.
[18] Маслаҳат билан режа туз,
ақлли йўл–йўриқ билан уруш олиб бор.
[19] Чақимчи сирларни очади,
оғзи бўш одам билан алоқада бўлма.

20 Ким ота–онасини лаънатласа,
унинг чироғи зулматда ўчиб қолади.
21 Бошида шошилиб олинган мерос
оқибатда барака келтирмайди.
22 Ёвузлик учун қасос оламан демагин,
Эгамизга умид боғлаб кутгин,
У сени қутқаради.
23 Икки хил тарози тоши Эгамизга жирканчдир,
ёлғон тарози ҳам яхши эмас.
24 Инсоннинг қадами — Эгамиздан,
шундай экан, у ўз йўлини қандай тушунсин?!
25 Ўйламасдан Худога ваъда берган киши,
аҳд қилгандан кейин иккиланган одам тузоқдадир.
26 Доно шоҳ ёвузларни ажратиб,
уларнинг устидан тегирмон тоши юргизади.
27 Одамнинг руҳи — Эгамизнинг чироғи,
вужуднинг барча чуқурликларини текшириб туради.
28 Севги ва садоқат шоҳни асрайди,
ўша иноят туфайли унинг тахти мустаҳкамдир.
29 Қувват йигит кишининг ғуруридир,
оқарган сочлар эса кексанинг шуҳратидир.
30 Қамчининг жароҳати ёмонликка даводир,
калтак зарби вужуднинг энг чуқур жойларини тозалайди.

21–БОБ

1 Шоҳнинг юраги Эгамизнинг қўлида,
уни ирмоқдай хоҳлаган томонга буради.
2 Одамнинг қилмишлари ўзининг назарида тўғри,
аммо Эгамиз юракларни синайди.
3 Адолату ҳақиқатга амал қилиш
Эгамизга қурбонликдан афзалроқдир.
4 Такаббур кўзлар ва мағрур юрак чироқ каби фосиқнинг гуноҳини
кўрсатади.
5 Меҳнаткашнинг режаси фақат мўл–кўлчилик келтиради,
шошқалоқ камбағалликка дучор бўлади.
6 Ёлғон билан бойлик топадиганлар
чиқиб кетадиган буғ кабидир,
улар ўз ўлимини излайди.
7 Ёвузнинг зўравонлиги ўз бошига етади,
чунки у адолат билан иш қилишни рад этади.
8 Гуноҳкорнинг йўли — эгри,
софдилнинг иши — тўғри.
9 Уришқоқ хотин билан кенг уйда яшагандан кўра,
лой томнинг бир четида яшаган яхшироқ.
10 Ёвузнинг кўнгли ёмонликка ташна,
қўшниси ундан раҳм–шафқат топмайди.
11 Мазах қилувчи жазоланса, содда* одамлар доно бўлади,
донога йўл–йўриқ берилса, билими ошади.
12 Худо одилдир, фосиқнинг уйини У кузатиб туради,

фосиқни ҳалокатга мубтало қилади.
13 Камбағалнинг фарёдига ким қулоқ солмаса,
ўзи фарёд қилганда ҳам ҳеч ким жавоб бермайди.
14 Яширинча берилган совға жаҳлни юмшатади,
енг ичидаги пора ғазабдан туширади.
15 Адолатга амал қилиш солиҳларга севинч,
фосиқларга эса қўрқинчдир.
16 Ақл–идрок йўлидан чиққанлар ўликлар орасидадир.
17 Зиёфатни севган қашшоқлашади,
шароб билан мойни яхши кўрган одам бой бўлмайди.
18 Солиҳга аталган ёвузлик фосиқнинг бошига тушади,
тўғри одамнинг ўрнига хоин ҳалокатга учрайди.
19 Уришқоқ ва баджаҳл хотин билан яшагандан кўра,
чўлу биёбонда яшаш яхшироқ.
20 Дононинг уйида ёғ ҳам, энг яхши нарсалар ҳам бор,
ақлсиз эса уни сарфлаб юборади.
21 Тўғрилик ва садоқат пайида бўлганлар
узоқ умр, солиҳлик ва шон–шуҳратга эришади.
22 Доно энг қудратли шаҳарга бориб,
таянч бўлган қалъани ҳам вайрон қилади.
23 Оғзини ва тилини қўриқлаган
ўз жонини ташвишлардан асрайди.
24 Такаббур ва мағрурнинг номи “мазахчи”,
ҳамма нарсани манманлик билан қилади.
25 Дангасанинг орзуси ўлимга олиб келади,
чунки қўллари ишга бормайди.
26 Дангасанинг куни баднафслик билан ўтади,
солиҳ эса аямасдан беради.
27 Фосиқларнинг қурбонлиги жирканчдир,
ёвуз ният билан келтирилгани эса ундан ҳам баттар.
28 Сохта гувоҳ йўқ бўлади,
ҳақиқатга қулоқ солган эса қолади.
29 Фосиқнинг юзи қаттиқ,
солиҳ эса ўз йўлини билади.
30 Эгамизга қарши донолик ҳам,
идрок ҳам, режа ҳам йўқ.
31 От жанг куни учун тайёрланади,
ғалаба эса Эгамизнинг қўлида.

22–БОБ

1 Яхши ном — энг катта бойликдан ортиқ,
марҳаматга сазовор бўлиш эса
кумушу олтиндан ҳам яхши.
2 Бой билан камбағалнинг бир ўхшашлиги бор,
икковини ҳам Эгамиз яратган.
3 Эс–ҳушли одам хавф–хатарни кўриб яширинади,
содда* эса тўхтамасдан бораверади, шунинг учун қийналади.
4 Камтарлик ва Эгамиздан қўрқиш*
бойлик, ҳурмат ва ҳаёт келтиради.

5 Эгрининг йўлида тиканзор ва тузоқлар бор,
ўз жонини асраган ундан узоқлашади.
6 Болани тўғри йўлга солиб тарбияла,
шунда қариганда ҳам йўлидан адашмайди.
7 Бойлар камбағаллар устидан ҳукмронлик қилади,
қарздор қарз берганнинг қулидир.
8 Фосиқликни экқан ташвиш йиғади,
жаҳл қамчиси синади.
9 Сахий барака топади,
чунки ўз нонини камбағаллар билан баҳам кўради.
10 Мазах қилувчини орадан қув!
Шунда ғавғо кетади,
жанжалу ҳақорат ҳам барҳам топади.
11 Покдилликни севиб,
хушмуомала бўлганга шоҳ дўст бўлади.
12 Эгамиз илм–маърифатли инсонни асрайди,
У хоиннинг сўзларини пучга чиқаради.
13 Дангаса: “Ташқарида шер бор,
кўчада мени ўлдиради”, — дейди.
14 Бузуқ аёлнинг оғзи тубсиз чоҳдир,
Эгамизнинг ғазабига учраганлар унга тушади.
15 Ақлсизлик боланинг дилига ўрнашган,
унинг бу ақлсизлигини калтак ҳайдаб чиқаради.
16 Бой бўламан деб қашшоқни эзган ҳам,
бойга совға қилган ҳам камбағаллашади.

Ўттизта доно насиҳат

(22:17-24:22)

17 Доноларнинг сўзларига қулоқ тут,
қалбингни билимимга оч.
18 Чунки бу сўзларни қалбингда сақласанг,
дилинг яшнайди,
улар доим тилингда тайёр бўлсин.
19 Эгамизга умид боғлагин деб
бугун шуларни ўргатяпман.
20 Сенга билим ва маслаҳат билан
ўттизта насиҳат ёзиб бермаганмидим?!
21 Бу ҳақиқат сўзларини ўрганиб,
сени юборганларга айтиб беришинг учун эди.

Биринчи насиҳат

22 Камбағални камбағаллиги учун талама,
бахтсизни дарвоза олдида ҳукм қилганда қийнама.
23 Чунки Эгамиз уларни ҳимоя қилиб,
золимларига Ўзи зулм қилади.

Иккинчи насиҳат

24 Уришқоқ билан дўстлашма,
баджаҳл билан юрма.
25 Бўлмаса сен ҳам уларнинг йўлига тушиб қоласан,

жонингни тузоққа илинтирасан.

Учинчи насиҳат

26 Бегона билан қўл ташлашма,
ўзганинг қарзига кафиллик берма*.
27 Агар ўшанинг қарзини тўлашга ҳеч нарсанг бўлмаса,
ҳатто, тагингдаги тўшагингдан ҳам айрилиб қоласан.

Тўртинчи насиҳат

28 Ота–боболаринг қўйган қадимий чегараларни бузма*.

Бешинчи насиҳат

29 Ўз ишига моҳир устани кўрганмисан?
У оддий одамларга эмас, шоҳга хизмат қилади.

23–БОБ

Олтинчи насиҳат

1 Ҳоким билан овқатланишга ўтирганда,
олдингга қўйилган нарсаларга назар сол.
2 Агар иштаҳанг катта бўлса,
бўғзингга пичоқ тиралгандай, ўзингни назорат қил.
3 Унинг неъматларини кўнглинг тусамасин,
чунки бу алдамчи таомдир.

Еттинчи насиҳат

4 Бой бўлай деб кўп ҳаракат қилма,
фаҳму фаросат билан бу фикрингдан воз кеч.
5 Бойлик кўз очиб юмгунча йўқ бўлади,
қанот қоқиб бургутдай осмонга учиб кетади.

Саккизинчи насиҳат

6 Хасиснинг овқатидан ема,
унинг неъматларини кўнглинг тусамасин.
7 Чунки у кўнглида ўзининг фойдасини ҳисоблайди*,
“Егин, ичгин”, — дейди–ю, кўнгли сен билан эмас.
8 Еган луқмангни қайт қиласан,
ширин сўзларинг ҳавога учиб кетади.

Тўққизинчи насиҳат

9 Аҳмоққа гап гапирма,
у ҳикматли сўзларингни рад этади.

Ўнинчи насиҳат

10 Қадимий чегараларни бузма*,
етимларнинг даласини тортиб олма.
11 Чунки уларнинг Ҳимоячиси қудратли,
У етимларнинг тарафини олади.

Ўн биринчи насиҳат

12 Юрагингни насиҳатга,
қулоқларингни эса идрокка оч.

Ўн иккинчи насиҳат

13 Боладан танбеҳни аяма,
чунки таёқ билан урсанг ўлмайди.

14 Таёқ билан уриб жазоласанг,
жонини дўзахдан* сақлайсан.

Ўн учинчи насиҳат

15 Ўғлим*, қалбингда донолик бўлса,
юрагим қувонади.
16 Тилингдан тўғри сўз чиқса,
кўнглим ҳам шодланади.

Ўн тўртинчи насиҳат

17 Гуноҳкорларга ҳавас қилма,
доимо Эгамиздан қўрқиб* юр.
18 Чунки албатта келажак бор,
умидинг рўёбга чиқади.

Ўн бешинчи насиҳат

19 Ўғлим, тинглаб доно бўл,
юрагингни тўғри йўлга сол.
20 Майхўр ва очкўзлик билан гўшт ейдиганлар орасида бўлма.
21 Чунки майхўр ва очкўз қашшоқ бўлади,
уйқучилик жулдур кийим кийдиради.

Ўн олтинчи насиҳат

22 Сени дунёга келтирган отангга қулоқ сол,
онанг қариганда уни хор қилма.
23 Ҳақиқатни сотиб ол,
донолик, йўл–йўриқ, идрок ҳам ол, уларни сотма.
24 Солиҳ отасининг бошини кўкка етказади,
доно фарзанд* уни хурсанд қилади.
25 Ота–онанг сендан хурсанд бўлсин,
сенга ҳаёт берган онанг шод бўлсин.

Ўн еттинчи насиҳат

26 Ўғлим, менга қалбингни оч,
кўзларинг ишларимни кузатсин.
27 Чунки бузуқ хотин — тубсиз чоҳ,
зинокор хотин тор қудуқдир.
28 У қароқчи каби пойлаб туради,
одамлар орасида вафосизликни орттиради.

Ўн саккизинчи насиҳат

29 Қайғу кимда, ким ғам–ташвиш тортади?
Ким жанжал қилади, шикоят қилган ким?
Ким сабабсиз яраланади?
Кимнинг кўзлари қип–қизил?
30 Шароб ичишга берилганлар,
хушбўй майни тотиб кўришга кўп борганлар.
31 Шаробнинг қизиллигига,
қадаҳда чўғдай товланишига,
текис қуйилишига қарама.
32 Охирида у илон каби чақади,
қора илондай заҳар сочади.
33 Кўзларинг ғалати нарсаларни кўради,

юрагингда эгри фикрлар бўлади.
34 Кўпирган денгиз ўртасида ётгандай,
тўлқинларда чайқалган кемада ухлагандай бўласан.
35 “Мени урдилар, оғримади,
калтакладилар, лекин билмадим.
Қачон уйғонаман?
Яна бир ичай”, — дейсан.

24–БОБ

Ўн тўққизинчи насиҳат

1 Фосиқларга ҳавас қилма,
улар билан бирга бўлишга интилма.
2 Чунки улар зўравонликни ният қилади,
тиллари ёмонликни гапиради.

Йигирманчи насиҳат

3 Уй донолик билан қурилади,
идрок билан мустаҳкам бўлади.
4 Хоналар эса билим билан турли қимматбаҳо,
қимматли бойликка тўлади.

Йигирма биринчи насиҳат

5 Доно сипоҳлар кучли сипоҳлардан*,
илм–маърифатлилар эса кучи борлардан қудратлироқдир.
6 Яхши одам йўл–йўриқ билан урушга боради,
маслаҳатчилар кўплиги туфайли ғалаба қилади.

Йигирма иккинчи насиҳат

7 Аҳмоқ доноликка етишмайди,
ҳукмда оғзини оча олмайди.

Йигирма учинчи насиҳат

8 Ёмон ният қилувчининг номи шаккокдир.
9 Аҳмоқлик билан тузилган режа гуноҳдир,
мазахчидан одамлар жирканади.

Йигирма тўртинчи насиҳат

10 Ташвишли кунда ожиз бўлганнинг кучи камдир.

Йигирма бешинчи насиҳат

11 Ўлимга маҳкум бўлганларни,
дорга олиб кетилаётганларни қутқар.
12 “Билмайман”, — десанг ҳам,
юракни синайдиган Худо кўрмайдими,
жонни асрайдиган буни билмайдими?
Ҳаммага уларнинг ишига яраша қайтармайдими?

Йигирма олтинчи насиҳат

13 Ўғлим*, асал еб кўргин, у яхши,
асалари муми оғзингга ширин дир.
14 Донолик жонингга асалдайдир,
унга эришсанг келажагингни топасан,
умидинг рўёбга чиқади.

Йигирма еттинчи насиҳат

15 Эй фосиқ, солиҳнинг уйига пистирма қурма,
уй–жойига тегма.
16 Солиҳ етти марта йиқилса ҳам туриб кетаверади,
фосиқ эса ҳалокатга учрайди.

Йигирма саккизинчи насиҳат

17 Душманинг йиқилганда севинма,
қоқилгани учун юрагинг қувонмасин.
18 Бўлмаса Эгамиз буни кўриб ёқтирмай,
ғазабини ундан ўгиради.

Йигирма тўққизинчи насиҳат

19 Фосиқлардан жаҳлинг чиқмасин,
ёмонларга ҳавас қилма.
20 Чунки ёмонларнинг келажаги йўқ,
фосиқларнинг чироғи ўчиб қолади.

Ўттизинчи насиҳат

21 Эй ўғлим, Эгамиздан ҳам, шоҳдан ҳам қўрқ,
уларга қарши бош кўтарма*.
22 Чунки улардан кулфат кутилмаганда келади,
икковидан келадиган ҳалокатни ким билади?!

Доно ўгитлар

(24:23-34)

23 Қуйидаги сўзлар ҳам донолардан.

Ҳукмда тарафкашлик қилиш яхши эмас.
24 Фосиққа “солиҳсан” деганни эл лаънатлайди,
халқлар ундан нафратланади.
25 Унга танбеҳ берганлардан хурсанд бўлади,
улар қут–барака топадилар.
26 Тўғри жавоб берадиганларни ҳамма севади.

27 Ташқаридаги юмушингни бажар,
даладаги барча ишларингни тартибга сол,
кейин уйингни қургин.

28 Сабабсиз ўзгага қарши гувоҳлик берма,
тилинг билан алдама.
29 “Менга нима қилган бўлса, мен ҳам шундай қиламан,
қилмишига яраша қайтараман”, дема.

30 Мен дангасанинг даласидан,
нодоннинг узумзори ёнидан ўтдим.
31 Ана, ҳамма ёқ тиканзор,
ҳамма ерда қичитқи ўт,
тош девор ҳам қулаб, ер билан битта бўлиб ётибди.
32 Қараб, ўйлаб кўрдим,
уни кўриб сабоқ олдим.

33 “Бир оз ухлай, бир мизғиб олай,
ёнбошлаб бирпас дам олай”, — дейди.
34 Шунинг учун қашшоқлик йўлтўсардай,
муҳтожлик эса қароқчидай устига келади.

Ҳизқиё томонидан тўпланган Сулаймон ҳикматлари

(25:1-29:27)

25–БОБ

1 Қуйидагилар ҳам Сулаймоннинг ҳикматларидир. Бу ҳикматлар Яҳудо шоҳи Ҳизқиёнинг* одамлари томонидан ёзиб олинган.

2 Ишларни сирли қилиш — Худонинг шуҳрати*,
ишларни текшириб билиш эса шоҳ шарафидир.
3 Осмон баланд, денгиз чуқур,
шоҳнинг юраги ҳам шундай,
уни тушуниш қийин.
4 Кумушдан чиқиндини олиб ташла,
ўшанда ундан яхши идиш ясалади.
5 Фосиқни шоҳ олдидан чиқариб ташла,
шунда шоҳнинг тахти ҳақиқат билан мустаҳкам бўлади.
6 Шоҳнинг олдида ўзингни юқори қўйма,
улуғ одамлар турганда тўрга чиқма.
7 Чунки ўзинг кўриб турган асилзодалар олдида
биров сени пойгакка туширгандан кўра,
“Тўрга ўтинг” дегани яхшироқ.

8 Шошилиб арз қилма,
охирида қўшниларнинг олдида уялиб қолсанг нима бўлади?
9 Қўшнингнинг ўзи билан гаплаш,
сирни бошқаларга очма.
10 Бўлмаса, эшитганлар сени уятга қўяди,
номинг бир умрга ёмон бўлади.

11 Ўз ўрнида айтилган сўз тилла узукка қўйилган ёқут кўздайдир.
12 Дононинг танбеҳи тинглаган қулоққа
тилла сирға ва олтин безакдайдир.
13 Садоқатли хабарчи уни юборганларга
жазирама ўрим пайтидаги салқин сувдайдир,
хўжайинининг қалбини севинтиради.
14 Қилмаган совғаси билан мақтанадиган одам
ёмғирсиз булут ва шамол кабидир.
15 Сабр–тоқат билан гапирилса амалдор ҳам кўнади,
мулойим сўз тошни ҳам синдиради.
16 Асал топсанг, етарлича егин,
ортиқчаси қайт қилдиради.
17 Қўшнингникига ҳадеб кираверма,
бўлмаса сендан безиб, ёмон кўриб қолади.

18 Ўзгага қарши сохта гувоҳлик берган одам
болта, қилич, ўткир ўққа ўхшайди.
19 Ташвишли кунда вафосизга суяниш
синган тиш ва чўлоқ оёққа ишониш кабидир.
20 Ғамгин одам олдида қўшиқ айтиш
аёзда уст–бошини ечиб ташлагандай, жароҳатга сирка суртиш кабидир.
21 Душманинг оч бўлса, овқат бер,
чанқаган бўлса, сув ичир.
22 Шунда унинг бошига ёнаётган чўғ йиққандай бўласан,
Эгамиз эса сени тақдирлайди.
23 Шимолдан эсадиган шамол жала,
ғийбат эса ғазаб келтиради.
24 Уришқоқ хотин билан кенг уйда яшагандан кўра,
лой томнинг бир четида яшаган яхшироқ.
25 Узоқ юртдан келган хушхабар
чарчаган одамга совуқ сув кабидир.
26 Фосиққа бош эгган солиҳ
лойқаланган булоқ ва бузилган қудуқдайдир.
27 Кўп асал ейиш яхши эмас,
иззатталаб бўлиш ҳам ҳурмат келтирмайди.
28 Ўзини тута олмайдиган одам
деворсиз вайрона шаҳар кабидир.

26–БОБ

1 Ақлсизга иззат–ҳурмат кўрсатиш
ёзда ёққан қор, йиғим–терим пайтидаги ёмғир кабидир.
2 Қушлар бекорга осмонга кўтарилмагандай,
сабабсиз лаънат ҳам одамга тегмайди.
3 Отга — қамчи, эшакка — сувлуқ,
ақлсизнинг орқасига эса — таёқ.
4 Нодоннинг нодон саволларига жавоб берма,
бўлмаса сен ҳам унга ўхшаб қоласан.
5 Нодоннинг гаплари бемаънилигини ошкор қил,
тағин ўзича доно бўлиб кетмасин.
6 Ақлсиз орқали хабар юборган одам
оёғини кесиб ташлагандай азоб чекади.
7 Аҳмоқнинг оғзидаги матал чўлоқ оёқдайдир.
8 Ақлсизга иззат–ҳурмат кўрсатиш
палахмонга тош боғлаб қўйиш кабидир.
9 Нодоннинг тилидаги матал
мастнинг қўлидаги тикандайдир.
10 Аҳмоқни ва йўлдан ўтган ҳар бир мастни ёллаган одам
дуч келганни отадиган камонкашга ўхшайди.
11 Ўз қусуғига қайтиб келадиган ит каби,
нодон ҳам ўз ақлсизлигини такрорлайди.
12 Ўзини доно деб ўйлаганни кўрганмисан?
Ундан кўра, ақлсиздан умид кўпроқ.
13 Дангаса: “Кўчада шер бор,
у очиқ майдонда юрибди”, — дейди.

14 Эшик ўз ўқида айланади,
танбал эса ўз тўшагида.
15 Дангаса қўлини косага чўзади–ю,
оғзига олиб келишга эринади.
16 Танбал ўз назарида
фаросат билан гапирадиган етти кишидан ҳам донороқ.
17 Бошқаларнинг жанжалига аралашган
дайди итнинг қулоғидан чўзгандайдир.
18 Телба ўт, найза ва ўлим ёғдиради.
19 Бировни алдаб: “Фақат ҳазиллашган эдим” деган ҳам шундайдир.
20 Ўтин бўлмаса, ўт ўчиб қолади,
чақимчи бўлмаса, жанжал тўхтайди.
21 Кўмир — чўғ учун, ўтин — олов учун,
уришқоқ эса жанжал чиқариш учундир.
22 Ғийбатчининг сўзи ширин овқат кабидир,
одамнинг бутун аъзойи баданига сингиб кетади.
23 Ширин сўзли нияти ёмон одам
кумуш суви юритилган* сопол идиш кабидир.
24 Душман тилида бошқача сўзлайди,
дилида эса алдашни ният қилади.
25 У юмшоқ сўзлаганда ишонма,
чунки юраги қабиҳликка тўла.
26 Нафрат ёлғон билан яширилган бўлса ҳам,
ёмонлиги эл–юртга ошкор бўлади.
27 Бировга чуқур қазиганнинг ўзи унга тушади,
тош думалатганга эса ўша тош қайтади.
28 Ёлғончи тил ўзи яралаган одамни ёмон кўради,
хушомадгўй ҳалокат келтиради.

27–БОБ

1 Эртанги кун билан мақтанма,
унинг нима олиб келишини билмайсан–ку!
2 Сени ўзинг эмас, бошқалар,
ўз оғзинг эмас, ўзгалар мақтасин.
3 Тош ҳам, қум ҳам оғир,
ақлсизнинг ғазаби эса икковидан ҳам оғирроқ.
4 Жаҳл — золим, ғазаб бир тошқиндир,
рашк олдида ким бардош бера олади?!
5 Ошкора танбеҳ пинҳона меҳрдан яхшироқ.
6 Душманнинг ширин сўзи эмас,
дўстнинг калтаклаши садоқатни кўрсатади.
7 Тўқ одам асални ҳам оёқ ости қилади,
очга эса аччиқ нарса ҳам ширин.
8 Ўз уйини ташлаб кетган одам
инидан айрилган қушга ўхшайди.
9 Хушбўй мой ва муаттар атир кўнгилни шод қилади,
дўстнинг самимий маслаҳати қувонч келтиради.
10 Ўз дўстингни ва отангнинг дўстини ташлаб кетма,
оғир кунда акангникига чопма,

яқин қўшни узоқдаги акадан яхшироқ.
11 Эй ўғлим*, доно бўл, қалбимни қувонтир,
шунда биров мени танқид қилса ҳам,
жавоб қайтара оламан.
12 Эс–ҳушли одам хавф–хатарни кўриб яширинади,
содда* эса тўхтамасдан бораверади, шунинг учун қийналади.
13 Бегонага кафиллик қилганнинг* тўнини ечиб ол,
ҳа, бундай ақлсиз одамдан кийимини гаров қилиб ол.
14 Тонг–саҳарлаб дўстига ҳамду сано айтган одам
унга лаънат ўқиган бўлади.
15 Жанжалкаш хотин
ёмғирли кунда тўхтамай томаётган чаккага ўхшайди.
16 Уни бошқариш шамолни бошқариш
ёки ўнг қўл билан мойни ушлаш демакдир.
17 Темир темирни ўткирлайди, инсон эса дўстини.
18 Анжирни парвариш қилган одам
унинг мевасидан баҳраманд бўлади,
соҳибига яхши қараган иззат–ҳурматга эга бўлади.
19 Сув инсоннинг юзини акс эттиргани каби,
юраги ҳам унинг кўзгусидир.
20 Ўлим ва Ҳалокат* ҳеч тўймаганидай,
инсоннинг кўзи ҳам асло тўймайди.
21 Кумуш, олтин оловда синалади,
одам эса мақтовда.
22 Аҳмоқни келига солиб дон билан бирга янчсанг ҳам,
аҳмоқлиги ундан ажралмайди.

23 Қўйларингнинг аҳволини яхши бил,
подаларингга яхши қара.
24 Чунки бойлик ҳам, тож ҳам абадий эмас.
25 Ўтлар қуриб, янги кўкатлар ўсиб чиққанда,
қир–адирдаги ўт–ўланлар йиғиб олинганда,
26 қўзилар кийим–кечагингни,
эчкилар эса дала баҳосини қоплайди.
27 Эчкиларнинг сути кўп,
сенга ҳам, уй аҳлингга ҳам,
ҳатто хизматкорларингга ҳам етарли бўлади.

28–БОБ

1 Фосиқни ҳеч ким қувмаса ҳам қочаверади,
солиҳ эса шердай ботир.
2 Юртда исён бўлганда бошлиқ кўпаяди,
аммо ақл–идрокли раҳнамо туфайли
юртда тинчлик барқарор бўлади.
3 Ожизларни эзадиган камбағал
овқат қолдирмайдиган селдайдир.
4 Қонунни тан олмайдиганлар фосиқларни мақтайди,
қонунга амал қиладиганлар эса улар билан курашади.
5 Фосиқ адолатни тушунмайди,

Эгамизга интилган эса ҳамма нарсани тушунади.
6 Камбағал бўлиб тўғри юриш
бой бўлиб эгри юргандан яхшироқ.
7 Доно фарзанд* қонунга риоя қилади,
ярамасга улфат бўлган эса отасини шарманда қилади.
8 Судхўр ва очкўз одам бойлик йиғади,
аммо бойлиги қашшоққа ачинадиганга насиб этади.
9 Қонундан юз ўгирганнинг ибодати ҳам жирканчлидир.
10 Тўғри одамни ёмон йўлга бошлаган одам
қазиган чуқурига ўзи тушади,
покдил эса яхшилик топади.
11 Бой ўзининг назарида доно,
ақлли камбағал эса ўзини текширади.
12 Солиҳ мартабага эришганда катта байрам,
фосиқ лавозимга келса одамлар яширинади.
13 Ўз гуноҳларини яширган ютуққа эришмайди,
уларни тан олиб, воз кечган марҳамат топади.
14 Доим Худодан қўрққан* бахтлидир!
Бағри тош одам эса балога учрайди.
15 Ожиз халқ устидаги ёвуз ҳукмдор
ириллаётган шер ва ҳужум қилаётган айиқдайдир.
16 Ақлсиз ҳукмдор ниҳоятда золим бўлади,
адолатсиз фойдадан нафратланадиган узоқ яшайди.
17 Агар биров одам ўлдирган бўлса, ўлгунча қочиб юрсин,
унга ҳеч ким ёрдам бермасин.
18 Тўғри юрадиган нажот топади,
эгри йўлдан юрадиган эса йиқилади.
19 Ўз ерига ишлов берганнинг нони мўл бўлади,
орзу–хаёлларга берилган эса қашшоқликка учрайди.
20 Содиқ киши кўп барака топади,
бойишга шошилган жазосиз қолмайди.
21 Тарафкашлик яхши эмас,
бир тўғрам нон деб одам вафосизлик қилади.
22 Хасис одам бойлик орқасидан қувиб,
бошига қашшоқлик келишини билмайди.
23 Танқид қиладиган одам
хушомадгўйга қараганда кўпроқ марҳамат топади.
24 Ота–онасининг мулкини ўғирлаб,
“Бу гуноҳ эмас” деган одам бузғунчига шерикдир.
25 Очкўз жанжал чиқаради,
Эгамизга ишонган эса тўқ яшайди.
26 Ўзигагина ишонган аҳмоқдир,
ақл билан юрадиган эса нажот топади.
27 Камбағалга берган одам кам бўлмайди,
кўриб–кўрмасликка олган эса кўп лаънатга учрайди.
28 Фосиқлар мартабага эришса одамлар яширинади,
фосиқлар ҳалокатга йўлиққанда эса солиҳлар кўпаяди.

29–БОБ

1 Танбеҳ олса ҳам ўжарлигича қоладиган одам
бирданига ҳалокатга учрайди, шифо топмайди.
2 Солиҳлар кўпайганда халқ севинади,
фосиқ ҳукмрон бўлганда эса фиғон чекади.
3 Доноликни севган ўғил отасини севинтиради,
фоҳиша билан алоқада бўлган мол–мулкини совуради.
4 Шоҳ юртни адолат билан мустаҳкамлайди,
совғани севадиган эса хароб қилади.
5 Дўстига хушомад қилган одам
ўз* оёқларига тузоқ қўйгандай бўлади.
6 Фосиқнинг гуноҳи қопқон,
солиҳ эса қўшиқ айтиб қувонади.
7 Солиҳ ожизнинг ҳақ–ҳуқуқини билади,
фосиқда эса бундай тушунча ҳам йўқ.
8 Мазах қилувчилар шаҳарда тўполон қилади,
донолар эса ғазабни тинчлантиради.
9 Доно аҳмоқни судлашгани маҳкамага олиб борса,
аҳмоқ жанжал қилади, ҳақоратлайди.
Доно эса ҳаловатга эришмайди.
10 Қонхўр одам покдил инсондан нафратланади,
тўғрининг жонини олмоқчи бўлади*.
11 Нодон бор жаҳлини тўкиб солади,
доно эса ичида сақлайди.
12 Ҳукмдор ёлғонга қулоқ солса,
барча хизматкорлари фосиқ бўлади.
13 Золим билан ожизнинг бир ўхшашлиги бор:
икковига ҳам Эгамиз кўз нури берган.
14 Шоҳ камбағални адолат билан ҳукм қилса,
унинг тахти абадий мустаҳкам туради.
15 Қамчи ва насиҳат ақл киритади,
ўз ҳолига ташлаб қўйилган бола эса
онасига уят келтиради.
16 Фосиқ кўпайганда гуноҳ ҳам кўпаяди,
солиҳ эса фосиқнинг ҳалокатини кўради.
17 Фарзандингга* тарбия бер:
у сенга ором келтиради,
қалбингни шодликка тўлдиради.
18 Ваҳий бўлмаса эл–юрт йўлдан озади,
Худонинг қонунига амал қилган бахтлидир!
19 Қул фақат сўз билан тарбияланмайди,
сўзни тушунса ҳам амал қилмайди.
20 Ўйламай гапирадиганни кўрганмисан?!
Ундан кўра, нодондан умид кўпроқ.
21 Қулни ёшлигидан эркалатиб ўстирса,
оқибатда хўжайинига қайғу бўлади*.
22 Сержаҳл одам жанжал чиқаради,
серзарда кўп гуноҳ қилади.

23 Одамнинг мағрурлиги уни паст қилади,
камтарин эса иззат–ҳурмат топади.
24 Ўғрига шерик бўлган ўз жонини ёмон кўради,
у танбеҳ эшитса ҳам чурқ этмайди.
25 Одамдан қўрқиш тузоққа илинтиради,
Эгамизга умид боғлаган эса
хавф–хатардан холи бўлади.
26 Ҳукмдор марҳаматини қидирган кўп,
лекин инсонни ҳукм қиладиган Эгамиздир.
27 Фосиқ солиҳга жирканч,
тўғри юрадиган эса фосиққа жирканчдир.

Ағурнинг сўзлари

(30:1-33)

30–БОБ

1 Ёхининг ўғли Ағурнинг Ихтиёлга берган, Ител ва Ухалга айтган сўзлари*:

2 “Ростдан ҳам одамлар орасида энг ақлсизи эканман,
инсоннинг ақл–идроки менда йўқ.
3 На доноликни ўрганибман,
на Муқаддас Худони билибман.
4 Ким осмонга кўтарилган, осмондан тушган?
Шамолни ҳовучларига йиққан ким?
Ким сувни ўз кийимига ўраган?
Ернинг барча чегараларини ўрнатган ким?
Унинг исми нима?
Ўғлининг исми–чи?
Биласан–ку!

5 Худонинг ҳар бир сўзи ҳақиқатдир,
Ўзи эса Унга умид боғлаганнинг қалқони.
6 Унинг сўзларига қўшма,
У жазоласа, ёлғонинг фош этилса нима қиласан?

7 Сендан икки нарсани сўрайман,
ўлмасимдан олдин қилгин.
8 Сохталик ва ёлғонни мендан узоқлаштир,
менга қашшоқлик ҳам, бойлик ҳам эмас,
фақат насибамни бергин.
9 Қорним тўйганда: «Эгам ким ўзи?» деб айтмайин,
камбағалликдан ўғрилик қилиб, Уни бадном қилмайин.

10 Қул сени лаънатламаслиги учун уни эгасига ёмонлама,
бўлмаса жазоланасан.

11 Шундай насл борки, отасига лаънат ўқийди,
онасини дуо қилмайди.
12 Шундай насл борки, ўзининг назарида пок,

лекин ифлослигидан тозаланмаган.
13 Шундай насл бор, кўзлари қанчалик такаббур,
қарашлари ҳам мағрур.
14 Шундай насл борки, тишлари — қилич,
қозиқ тишлари эса пичоқ,
ер юзидан камбағални,
одамлар орасидан муҳтожни йўқотади.

15 Зулукнинг икки қизи бор:
«Бер, бер!» — деб айтади.
Ҳеч қачон қониқмайдиган уч нарса,
етарли, демайдиган тўрт нарса бор.
16 Дўзах*, бепушт бачадон,
сувсираган тупроқ ҳамда олов, етарли, демайди.

17 Отани мазахлайдиганнинг,
онага бўйсунишни рад этадиганнинг кўзларини
қузғунлар чўқийди,
калхат болалари ейди.

18 Мени ҳайрон қолдирадиган уч нарса бор,
тўрт нарса борки, ақлимга сиғмайди:
19 ҳаводаги бургутнинг йўли,
тош устидаги илоннинг йўли,
денгиз ўртасидаги кеманинг йўли ҳамда
қизга юрадиган эркакларнинг йўли.
20 Зинокор аёлнинг йўли ҳам шундайдир:
у еб бўлгач, оғзини артиб:
«Ҳеч бир эгрилик қилмадим–ку!» дейди.

21 Ер уч нарсадан ларзага келади,
тўрт нарсани кўтара олмайди:
22 қул шоҳлик қилганда,
аҳмоқ тўйганда,
23 шаллақи аёл эрга текканда,
чўри бекасининг ўрнини олганда.

24 Ер юзида тўртта кичкина нарса бор,
лекин ўта доно:
25 чумолилар заиф,
лекин егулигини ёзда тайёрлайди.
26 Бўрсиқ камқувват,
лекин инини қояга қуради.
27 Чигирткаларнинг* сардори йўқ,
лекин барчаси ҳамжиҳат юриш қилади.
28 Ўргимчакни* қўл билан ушласа бўлади,
лекин саройда ҳам юради.

29 Юриши салобатли уч нарса,
қадами улуғвор тўрт нарса бор:
30 шер ҳайвонлар ичида энг кучлиси,

ҳеч нимадан қочмайди.
31 Мақтаниб юрадиган хўроз*,
серка ва ғолиб шоҳ*.

32 Агар аҳмоқлик қилиб ўзингни мақтаган бўлсанг,
бировга ёмонлик қиламан, деб айтган бўлсанг,
овозингни ўчир, оғзингни ёп!
33 Чунки кув* пишса ёғ чиқади,
бурунга урса қонайди,
жаҳлни қўзғатса жанжал чиқади.”

Шоҳга маслаҳат

(31:1-9)

31–БОБ

1 Шоҳ Лемулнинг сўзлари. Бу сўзларни унга онаси ўргатган:

2 “Ўғлим, нима десам экан?
Нима дейин, эй жигарбандим?
Худодан тилаб олган ўғлим, сенга не айтай?
3 Қувватингни хотинларга берма,
шоҳни бузадиганларга ҳаётингни сарф қилма.
4 Эй Лемул, шоҳлар учун эмас шароб,
май амалдорлар учун эмас!
5 Улар ичиб қонунни унутади,
эзилган халқни ҳукм этишда эгрилик қилади.
6 Майни ҳалок бўлаётганга,
шаробни қайғу чекканга бергин.
7 Улар ичиб камбағаллигини унутсин,
фалокатларини эсламасин.
8 Оғзингни гунг учун очгин,
бошига кулфат тушганларнинг тарафини олгин.
9 Гапир, адолат билан ҳукм қил,
бечора ва камбағалларни ҳимоя қил.”

Фаросатли хотин

(31:10-31)

10 Фаросатли хотинни ким топа олади?
Унинг баҳоси гавҳардан ҳам баланд.
11 Эри унга юракдан ишонади,
ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди.
12 У эрига ёмонлик эмас,
бир умр яхшилик қилади.
13 Жун ва сурп топади,
хурсанд бўлиб ўз қўли билан ишлайди.
14 Савдо кемалари каби узоқдан нонини келтиради.
15 Қоронғида ўрнидан туриб,

уй аҳлини овқатлантиради,
хизматкорларига топшириқ* беради.
16 Ният қилиб, дала сотиб олади,
ўз қўли билан узумзор яратади.
17 Белини маҳкам боғлаб,
қўлларига қувват беради.
18 Қилган ишининг роҳатини кўради,
тунлари ҳам чироғи ўчмайди.
19 Қўлини чархга қўяди,
бармоқлари ип йигиради.
20 Камбағалларга қўлини узатади,
муҳтожларга раҳм қилади.
21 Уй аҳли учун қиш–қировдан қўрқмайди,
чунки улар ҳаммаси қалин кийинтирилган.
22 Ўзи учун сўзана тикади,
либоси кимхоб ва шойидандир.
23 Эри юрт оқсоқоллари орасида ўтиради,
шаҳар дарвозасида* танилган.
24 Яна шойидан кийим тикиб сотади,
савдогарларга белбоғ етказиб беради.
25 Либоси — қувват, шараф,
у келажакка қараб қувонади.
26 Донолик билан сўзлайди,
меҳр билан насиҳат қилади.
27 Уй аҳлига яхши қарайди,
дангасалик қилмайди.
28 Болалари туриб уни дуо қилади,
эри ҳам мақтайди:
29 “Фаросатли аёллар кўп,
аммо сен ҳаммасидан аълосан.”
30 Жозиба алдамчи, чирой эса ўткинчидир,
аммо Эгамиздан қўрқадиган аёл* кўкка кўтарилади.
31 Меҳнатининг мевасини кўрсин,
ишлари дарвозаларда уни шарафласин.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Сулаймон* — 3 Шоҳлар 4:32 га кўра, Сулаймон 3000 матал ёзган.

1:4 *соддалар* — Сулаймоннинг ҳикматлари китобида *соддалар* деб таржима қилинган ибронийча сўз одатда ҳар қандай яхши–ёмон гапга ишониб кетаверадиган одамларга нисбатан ишлатилган.

1:7 *Эгамиздан қўрқиш* — Сулаймоннинг ҳикматлари китобида бу ибора *Эгамизни севиш ва Унга ишониш* маъносини билдиради. Худодан қўрқадиган одам Унга сажда қилади, ишонади, Унинг амрларига итоат этади.

1:7 *бошидир* — яъни *негизидир* ёки *асосидир* ёхуд *ўта аҳамиятли ва муҳим қисмидир*.

1:7 *нодон* — Сулаймоннинг ҳикматлари китобида, шунингдек, Эски Аҳдда, *нодон* ёки *аҳмоқ* деб таржима қилинган ибронийча сўзлар ахлоқсиз одамларни билдиради. Бундай одамлар Худони севмайдилар ва Унга ишонмайдилар. Уларда солиҳ яшашга ундайдиган донолик йўқ, шунинг учун улар ҳалокату ўлимга етаклайдиган қарорлар чиқаради (шу бобнинг 20-33–оятларига қаранг).

1:8 *Ўғлим* — бу, муаллиф ўз ўғлига мурожаат қиляпти, дегани эмас. Одатда донишманд муаллим ўз талабасига шундай мурожаат қиларди.

1:12 *дўзах* — ибронийча матнда *Шеўл*, бошқа жойларда *ўликлар диёри* деб таржима қилинган. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

1:20 *Донолик* — “Сулаймоннинг ҳикматлари” китобида “донолик” баъзан аёл образида гавдалантирилган. Донолик аҳмоқликка зид қўйилган, баъзан аҳмоқлик ҳам аёл сифатида гавдалантирилган (9:13 га қаранг). 3:19, 8:22-31 оятларда ёзилиши бўйича Худо дунёни донолик билан яратган.

1:21 *...шаҳар дарвозаларида...* — қадимги пайтларда одамлар савдо–сотиқ, ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш учун шаҳар дарвозаси олдида йиғилишарди.

2:1 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

2:5 *Эгамиздан қўрқиш* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:18 *ўлим* — *Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

3:1 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

3:6 *...У йўлларингни тўғрилайди* — ёки *...У сўқмоқларингни идора қилади*.

3:7 *...Эгамиздан қўрқ* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

3:12 *фарзанд* — ибронийча матнда *ўғил*.

3:12 *Ота...жазолайди* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Эгамиз севганига танбеҳ беради, суйган ўғлини жазолайди*.

4:7 *...бор–йўғингни бериб бўлса ҳам, идрок ол* — ёки *...яна нима олсанг олавер, аммо билим ол*.

4:10 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

4:26 *Тўғри йўлни танлаб юр...* — ёки *Юрадиган йўлларингга эътибор бер....*

5:1 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

5:5 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

5:7 *Ўғлим* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Ўғилларим*.

5:15 *...Ўз сардобангдаги, ўз қудуғингдаги сувни...* — қадимги Исроилда сув жуда танқис бўлиб, қудуқлар эҳтиёт қилиб қўриқланарди. Шунинг учун ҳар ким фақатгина ўз қудуғидан сув ичиши керак эди. Худди шу сингари ҳар қандай эркак фақат ўз хотини билангина жинсий алоқа қилиши керак.

6:1 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

6:1 *...ўзгага кафиллик қилиб, бегона билан аҳдлашган бўлсанг...* — муаллиф 1-5–оятларда бирортасининг қарзини тўлаш учун шошма–шошарлик билан берилган ваъданинг оқибатлари ҳақида огоҳлантиради (яна 17:18, 20:16, 22:26-27, 27:13 га қаранг).

7:1 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

7:7 *содда* — 1:4 изоҳига қаранг.

7:14 *...қурбонлик келтирдим, ваъдаларимни бажардим* — ваъдани бажариш мақсадида келтирилган тинчлик қурбонлигига ишора. Тинчлик қурбонлигининг гўштини назр қилувчи тановул қилган. Аёл ёш йигитга: “Уйимга кел, қурбонлик гўштини мен билан бирга баҳам кўр”, деб шама қиляпти.

7:17 *мирра* — маълум бир дарахтларнинг қотган елимидан тайёрланган хушбўй модда.

7:22 *...тузоққа оёқ қўяётган кийикдай...* — қадимий сурёнийча ва юнонча таржималардан. Оятнинг бу қисмидаги ибронийча матннинг маъноси баҳсли.

7:27 *ўликлар диёри* — 5:5 изоҳига қаранг.

8:1 *Донолик* — 1:20 изоҳига қаранг.

8:3 *...шаҳар дарвозаларида...* — 1:21 изоҳига қаранг.

8:5 *Соддалар* — 1:4 изоҳига қаранг.

8:12 *Донолик* — 1:20 изоҳига қаранг.

8:13 *Эгамиздан қўрқиш* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

8:29 *...ерга асос солганда...* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгизнинг энг тубидаги пойдеворга таянарди.

9:1 *Донолик* — 1:20 изоҳига қаранг.

9:4 *содда* — 1:4 изоҳига қаранг.

9:10 *Эгамиздан қўрқиш* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

9:10 *...бошидир* — 1:7 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

9:18 *ўликлар диёри* — 5:5 изоҳига қаранг.

10:1 *...фарзанд...фарзанд...* — ибронийча матнда *...ўғил...ўғил....*

10:22 *...Эгамиз бойликка ғам–ташвиш қўшмайди* — ёки *...минг уринганинг билан Эгамиз марҳамат қилганидан ортиғини ололмайсан*.

10:27 *Эгамиздан қўрқиш* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

12:26 *Солиҳ ўзгаларга йўл кўрсатади…* — ёки *Солиҳ одам дўстлик муносабатларида эҳтиёткордир…* ёхуд *Худо солиҳ одамни зиён–заҳматдан асрайди….*

12:27 *…ғайратли эса қимматбаҳо бойликка эга бўлади* — ёки *…ғайратли эса ўз мулкини юқори баҳолайди*.

13:1 *фарзанд* — ибронийча матнда *ўғил*.

13:15 *…хоиннинг йўли эса машаққатлидир* — ёки *…хоиннинг йўли давом этмас*.

14:2 *…Эгамиздан қўрқади…* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

14:9 *Аҳмоқ одам айб қурбонлиги устидан кулади…* — айб қурбонлиги — гуноҳ қурбонлигининг махсус тури. Бирор одам бошқасини алдаганда, ўғрилик қилганда ёки бошқа бировга зарар етказганда шу қурбонликни келтирган. Аҳмоқ одам гуноҳ ва айбга бепарво бўлади, аммо солиҳ одам бунга эътиборсиз бўлмагани учун, Худонинг марҳаматидан баҳра олади.

14:15 *Содда* — 1:4 изоҳига қаранг.

14:16 *бепарво* — ёки *такаббур*.

14:33 *…нодонлар орасида ҳам ўзини билдиради* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча ва сурёнийча таржималарда *аммо аҳмоқлар юрагида донолик йўқ*.

15:11 *Ўлим* — ибронийча матнда *Шеўл*, бошқа жойларда *ўликлар диёри* деб таржима қилинган (шу бобнинг 24–оятига қаранг). Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

15:11 *Ҳалокат* — ибронийча матнда *Абаддўн*. Бу сўз *Шеўл*ни, яъни ўликлар диёрини билдиради.

15:16 *…Эгамиздан қўрқиб…* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

15:20 *фарзанд* — ибронийча матнда *ўғил*.

16:6 *Эгамиздан қўрқиш* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

16:12 *Шоҳнинг ёмонлик қилиши қабиҳликдир…* — ёки *Шоҳ ёмонлик қилишдан нафратланади….*

16:33 *Қуръа ташланади…* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

17:18 *Қўл ташлаб…ақлсиздир* — 6:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

17:19 *ўзига бино қўйган* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *ўз дарвозасини баланд қилиб қурадиган одам*.

17:25 *фарзанд* — ибронийча матнда *ўғил*.

18:18 *Қуръа* — 16:33 изоҳига қаранг.

19:18 *фарзанд* — ибронийча матнда *ўғил*.

19:23 *Эгамиздан қўрқиш* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

19:25 *содда* — 1:4 изоҳига қаранг.

19:27 *ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

20:4 *кузда* — қадимги Исроилда экиш мавсуми кузда бошланар эди.

20:16 *Бегонага кафиллик қилганнинг…* — 6:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

21:11 *содда* — 1:4 изоҳига қаранг.

22:3 *содда* — 1:4 изоҳига қаранг.

22:4 *Эгамиздан қўрқиш* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

22:26 *…ўзганинг қарзига кафиллик берма* — 6:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

22:28 *Ота–боболаринг қўйган қадимий чегараларни бузма* — қадимги Исроилда бирортаси ўз ерини ажратиб олиш учун тошлардан чегара қилиб қўярди. Агар кимдир бу тошларни жойидан силжитса, қўшнисининг ота–бобосидан қолган ерни у ўғирлаётган ҳисобланарди ва бу оғир жиноят эди (Қонунлар 19:14, 27:17 га қаранг).

23:7 *Чунки…ҳисоблайди…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Чунки у ўз кўнглида қандай ҳисоб–китоб қилса, ўзи ҳам шундайдир…*. Оятнинг бу қисмидаги ибронийча матннинг маъноси баҳсли.

23:10 *Қадимий чегараларни бузма…* — 22:28 изоҳига қаранг.

23:14 *дўзах* — 1:12 изоҳига қаранг.

23:15 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

23:17 *…Эгамиздан қўрқиб…* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

23:24 *фарзанд* — ибронийча матнда *ўғил*.

24:5 *Доно сипоҳлар кучли сипоҳлардан…* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *Доно одам кучлидир…* ёки *Доно сипоҳ кучлидир…*.

24:13 *Ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

24:21 *…уларга қарши бош кўтарма* — ёки *…исёнчилар билан дўст бўлма* ёхуд *…уларга қарши исён кўтарадиганлар билан дўст бўлма*.

25:1 *Яҳудо шоҳи Ҳизқиё* — шоҳ Ҳизқиё милоддан олдинги 716-687 йилларда Яҳудода, яъни жанубий шоҳликда ҳукмронлик қилган. Исроилни, яъни шимолий шоҳликни Оссурия босиб олгандан кейин Яҳудода ҳукмронлик қилган биринчи шоҳ Ҳизқиё эди. У ҳукмронлик қилган пайтда Яҳудода катта руҳий уйғониш бўлган эди.

25:2 *Ишларни сирли қилиш — Худонинг шуҳрати…* — инсон Худонинг ишларини тасаввурига сиғдира олмайди. Дарҳақиқат, инсон зоти ҳамма яратилган нарсалар устидан Худонинг ҳукмронлигини ва назоратини англаб етишга ожиздир. Бу — Худонинг буюклигини ва улуғворлигини кўрсатади. Яхши шоҳ эса барча ишларни текшириб, уларни қўл остидагиларга ва халқига маълум қилади. Бундай шоҳ Худонинг хизматкори сифатида доно ва адолатли ҳукмдор бўлиш учун, Худонинг хоҳиш–иродасини билишга ҳаракат қилади.

26:23 *кумуш суви юритилган* — ёки *тозаланмаган кумуш юритилган* ёхуд *сирланган*.

27:11 *ўғлим* — 1:8 изоҳига қаранг.

27:12 *содда* — 1:4 изоҳига қаранг.

27:13 *Бегонага кафиллик қилганнинг…* — 6:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

27:20 *Ўлим ва Ҳалокат* — ибронийча матнда *Шеўл ва Абаддўн*. 15:11 нинг изоҳларига қаранг.

28:7 *фарзанд* — ибронийча матнда *ўғил*.

28:14 *...Худодан қўрққан...* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

29:5 *ўз* — ёки *унинг*.

29:10 *...тўғрининг жонини олмоқчи бўлади* — ёки *...аммо тўғри одам унинг жонини қутқаришни истайди*.

29:17 *Фарзанд* — ибронийча матнда *Ўғил*.

29:21 *...оқибатда хўжайинига қайғу бўлади* — ёки *...охирида у ўғил бўлишни хоҳлаб қолади*.

30:1 *Ёхининг ўғли Ағурнинг...айтган сўзлари...* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Ёхининг ўғли Ағурнинг сўзлари: "Толиққанман, эй Худойим, толиққанман, бемажолман...*. Иброний қўлёзмаларида унлилар ишлатилмагани боис, бу оятдаги гапнинг ундошлари билан қайси унлилар ўқилгани ва сўзлар бўғинларга қандай бўлингани аниқ эмас эди. Шу сабабдан юнонча таржима ибронийчадан фарқ қилади.

30:16 *Дўзах* — 1:12 изоҳига қаранг.

30:27 *чигирткалар* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

30:28 *Ўргимчак* — ёки *калтакесак*.

30:31 *Мақтаниб юрадиган хўроз...* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матндаги гапнинг маъноси баҳсли.

30:31 *ғолиб шоҳ* — ёки *ўз халқини бошлаб бораётган шоҳ* ёхуд *ўз лашкарини бошлаб борадиган шоҳ*.

30:33 *кув* — сутни чайқатиб ёғини олиш учун ишлатиладиган узун ёғоч идиш ва йўғон соп.

31:10 10-31–оятлар ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Бу шеърнинг ҳар бир оятидаги биринчи сўз иброний алифбеси тартиби бўйича бошланади.

31:15 *топшириқ* — ёки *таом улуши*.

31:23 *...шаҳар дарвозасида...* — 1:21 изоҳига қаранг.

31:30 *Эгамиздан қўрқадиган аёл* — 1:7 нинг биринчи изоҳига қаранг.

ВОИЗ
КИТОБИ

Кириш

Мазкур китоб инсон ҳаётининг мақсади ва моҳияти ҳақида чуқур ўйлаган донишманд Воизнинг* фикрларидан иборат. Муқаддас Китоб олимларининг фикри бўйича, Воиз шоҳ Сулаймондир. Кекса ёшга бориб қолган Воиз ўз бошидан кечирганларига назар ташлаб, дунёнинг ишлари ҳақида фикр юритади. Унинг назарида бу дунё инсон тушунмайдиган, бошқаларга ҳам тушунтириш қийин бўлган масалаларга тўладир. Воизнинг таъкидлашича, ўлим ортига ҳеч ким назар ташлай олмайди.

Воиз инсонларни ва уларнинг қобилиятларини ўрганиб чиқади. У инсон донолигининг, ҳатто тақводор инсон донолигининг ҳам чегаралари бор, деган хулосага келади. Бу донолик билан инсон Худонинг буюк мақсадларини тушуна олмайди, ҳаётнинг маъносини била олмайди, тагига ета олмайди.

Воиз дунёга назар ташлар экан, инсон гоҳ у нарсанинг, гоҳ бу нарсанинг орқасидан қувганини кўради. Инсон дунёни ўзига бўйсундирмоқчи бўлиб, унинг сирларини билишга интилади. У гўё дунёдаги энг муҳим қонун–қоидаларни ўзгартира оладигандай, ўз тақдирини ҳал қила оладигандай меҳнат қилишдан ҳоримайди. Инсон ўз орзу–умидларини рўёбга чиқаришга бекорга интилаётганини Воиз кўради, лекин бу орзу–умидлар ҳам Воизнинг назарида “беҳуда, шамолнинг орқасидан қувишдай экан.”

Воиз бизга ҳамма нарсани борича қабул қилишни ўргатади. Барча нарсаларни Худо Ўз мақсадига кўра тайин этган, уларнинг ҳаммасини, ҳатто инсоннинг камчиликларини ҳам Худо белгилаган. Шунинг учун инсон сабр–тоқатли бўлиб, Худо берган ҳаётдан завқланиши керак. Инсон ўз қобилиятларининг чегараланганини тан олиши, қурби етмайдиган нарсаларга интилиб, қайғуларини орттирмаслиги керак. Энг муҳими Воизнинг қуйидагича хулосасидир: “Худодан қўрқ, Унинг амрларини бажар, чунки бу ҳамманинг бурчидир. Ҳар бир ишни, ҳатто яширин қилинган ишларни ҳам, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, Худо ҳукм қилади.” (12:13-14)

1–БОБ

Ҳаёт беҳудадир

1 Қуйидагилар Довуд ўғли, Қуддусда ҳукмронлик қилган Воизнинг* сўзларидир.

2 “Беҳуда!* Беҳуда!
— дейди Воиз. —
Ҳаммаси беҳудадир!”

3 Одам бу дунёда қилган меҳнатидан
Қандай фойда топар?
4 Авлод келиб, авлод кетар,

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Бу дунё эса шундайлигича қолаверар.
5 Қуёш чиқиб яна ботар,
Чиққан жойига қайтишга шошар.
6 Шамол жанубга эсар,
Шимол тарафга елар,
Такрор–такрор айланиб,
Ўз йўлидан юраверар.
7 Барча дарёлар денгизга оқар,
Денгиз эса ҳеч тўлмас,
Шунда ҳам ўз макони сари
Оқаверар дарёлар.
8 Ҳамма нарса чарчатар, ҳолдан тойдирар,
Уларни тасвирлашга сўзлар ҳам етмас.
Кўзларимиз кўраверар, аммо тўймас,
Қулоқларимиз эшитаверар, аммо қониқмас.
9 Олдин нима бўлган бўлса, яна содир бўлгай,
Нима қилинган бўлса, яна қайтарилгай,
Бу дунёда ҳеч қандай янги нарса йўқ.

10 Бирор нарса бормидики, биз бу ҳақда: “Қаранглар, бу янгилик–ку!” — деб айта олсак?! У олдиндан бор эди, биз таваллуд топмасдан олдин ҳам шу ерда эди.
11 Қадимда бўлганлар эсга олинмас, ҳатто бундан кейин бўладиганлар ҳам келажакда эсланмас.

Воизнинг тажрибаси

12 Мен, Воиз, Исроил устидан Қуддусда шоҳман. 13 Ўзимни донолик билан изланишга, мана шу дунёда бўлаётган ҳамма ишларни тушунишга бағишладим. Худо инсонга берган бу иш қандай қайғули–а! 14 Мен бу дунёда бўлаётган ҳамма нарсани кўрдим, қаранглар, ҳаммаси беҳуда, шамолнинг орқасидан қувишдай экан.

15 Эгри нарсани тўғрилаб бўлмас,
Йўқ нарсани санаб бўлмас.

16 Ўзимга шундай дедим: “Мана, мен буюк бўлиб, доноликда мендан олдин Қуддусда ҳукмронлик қилганларнинг ҳаммасидан ўзиб кетдим. Кўп донолик орттирдим, илму маърифатни яхшилаб ўргандим.” 17 Донолик ва илм–маърифатнинг фойдаси телбалик ва аҳмоқликдан устунлигини англаб етишга ўзимни бағишладим, аммо бу ҳам шамолнинг орқасидан қувишдай эканлигини тушундим.

18 Қайғу ҳам ортаркан, донолик қанча кўп бўлса,
Дард кўпаяр экан гар билим ошса.

2–БОБ

1 Мен, Воиз, ўзимга: “Қани, роҳатланиб, бир маза қилай–чи”, — дедим, лекин бу ҳам беҳуда* экан. 2 “Кулги телбалик экан, роҳат қандай фойда келтиради?” — дедим. 3 Донолик мени бошқарар экан, кўнглимни шароб билан чоғ қилиб кўрай–чи деб, аҳмоқликка ўз бағримни очдим. Бу дунёда одамлар ўз қисқа ҳаётлари давомида қандай иш қилсалар уларга фойда келишини билмоқчи

бўлдим. 4 Буюк ишлар қилдим: ўзимга уйлар қурдим, узумзорлар барпо қилдим,
5 полизлар ва боғлар яратдим, у ерларга ҳар хил мевали дарахтлар экдим.
6 Ўсаётган дарахтларни суғориш учун ҳовузлар қаздирдим. 7 Ўзим учун қуллар ва
чўрилар сотиб олдим, уйимда қул–чўрилар туғилиб, уларнинг сони ортиб
бораверди. Подаларим шунчалик кўп эдики, Қуддусда мендан олдин яшаган ҳеч
кимда бунчалик кўп мол–қўй бўлмаган. 8 Ўзим учун кумушу олтин, шоҳларга
лойиқ ажойиб бойликлардан йиғдим, жуда кўп ерларга эга бўлдим. Аёл ва эркак
қўшиқчилар менга хизмат қилишар эди, менга завқ келтирадиган ҳарамим ҳам
катта эди.

9 Мен буюк бўлиб, буюкликда Қуддусда мендан олдин яшаганларнинг
ҳаммасидан ўтдим. Донолигим менга панд бермади. 10 Ўзим хоҳлаган ҳамма
нарсани олдим, кўнглим истаганини қилдим. Қилган ҳар бир ишимдан жоним
роҳатланди, бу қилган меҳнатларим эвазига келган мукофот эди. 11 Аммо қарасам,
ўз қўлларим билан қилган ишларим, қилган ҳамма меҳнатим — буларнинг
ҳаммаси беҳуда экан, шамолнинг орқасидан қувишдай экан. Бу дунёда бирорта
фойдали нарса топилмаслигини билдим.

12 Шундан кейин яна донолик, телбалик ва аҳмоқликни солиштиришга қарор
қилдим. Ворисим меникидан ҳам яхшироқ хулосага кела олармиди?! 13 Ёруғлик
қоронғиликдан яхшироқ бўлганидай, донолик ҳам аҳмоқликдан яхшироқлигини
тушундим:

> 14 Дононинг кўзи бор,
> Нодон эса қоронғиликда юради.

Аммо ҳамманинг тақдири бир* эканлигини ҳам тушундим. 15 Ўзимча: “Нодоннинг
бошига тушган нарса менинг ҳам бошимга тушар экан. Шундай экан, доно
бўлишнинг нима фойдаси бор?!” деб ўйладим. “Бу ҳам беҳуда!” — дедим.
16 Донолар ҳам, нодонлар унутилгани каби, унутилади, келажакда ҳамма бирдай
унутилади. Нима учун донолар нодонлардай ўлиши керак?! 17 Шунинг учун ҳам
мен ҳаётдан нафратландим, чунки бу дунёда қилинган ҳар бир иш менга қайғу
келтирди. Ҳаммаси беҳуда, шамолнинг орқасидан қувишдайдир.

18 Бу дунёда меҳнат қилиб топган ҳамма нарсамдан нафратландим, чунки
ҳаммаси барибир мендан кейин келадиганларга қолишини билардим. 19 Улар
доно бўладими ёки аҳмоқми, ким билади? Мен бу дунёда меҳнат қилиб, донолик
билан топганларимга барибир ўшалар эгалик қилишади. Бу ҳам беҳудадир.
20 Шунда бу дунёда қилган барча меҳнатим учун юрагим ачиб, қайғура бошладим.
21 Ахир, барибир донолик, билим ва моҳирлик билан топилган нарсалар мана шу
нарсалар учун ишламаганларга қолар экан. Бу ҳам беҳуда, қандай фалокат! 22 Бу
дунёда қилган меҳнати ва тиришқоқлиги учун одам қандай фойда оларкан–а?!
23 Ахир, унинг кунлари дардга тўла бўлса, қайғудан боши чиқмаса, ҳаттоки
кечалари ҳам дам ололмаса. Эҳ, бу ҳам беҳуда!

24 Одам учун ейиш, ичиш ва қилган меҳнатидан роҳатланишдан яхшироқ нарса
йўқ. Бу ҳам Худодан эканлигини тушундим, 25 ахир, Худосиз ким овқат ея олади,
ким роҳат топади?! 26 Худога маъқул бўлганларга Худонинг Ўзи донолик, билим
ва қувонч беради. Гуноҳкорларга эса бойлик йиғиш иштиёқини беради–ю,
уларнинг ишлаб топганларини олиб, Худо Ўзига маъқул бўлганларга ато этади.
Гуноҳкорларнинг бу ишлари ҳам беҳуда ва шамолнинг орқасидан қувишдайдир.

3–БОБ

Ҳар нарсанинг вақти бор

1 Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз тайинланган пайти бор, ҳар бир ишнинг ўз
вақти бор*.

2 Туғилишнинг ҳам, ўлишнинг ҳам ўз вақти бор.
Экишнинг ҳам, экилганни ўришнинг ҳам ўз вақти бор.
3 Ўлдиришнинг ҳам, шифо беришнинг ҳам ўз вақти бор.
Бузишнинг ҳам, қуришнинг ҳам ўз вақти бор.
4 Йиғлашнинг ҳам, кулишнинг ҳам ўз вақти бор.
Азанинг ҳам, рақснинг ҳам ўз вақти бор.
5 Тош отишнинг ҳам, тош йиғишнинг ҳам ўз вақти бор.
Бағрига босишнинг ҳам, ундан ўзини тийишнинг ҳам ўз вақти бор.
6 Қидиришнинг ҳам, йўқотишнинг ҳам ўз вақти бор.
Сақлаб қўйишнинг ҳам, ташлаб юборишнинг ҳам ўз вақти бор.
7 Йиртишнинг ҳам, тикишнинг ҳам ўз вақти бор.
Сукут сақлашнинг ҳам, сўзлашнинг ҳам ўз вақти бор.
8 Яхши кўришнинг ҳам, нафратнинг ҳам ўз вақти бор.
Урушнинг ҳам, тинчликнинг ҳам ўз вақти бор.

9 Шунча меҳнат қилиб инсон қандай фойда топади? 10 Инсонлар қилиши учун
Худо берган мушкул ишни кўрдим. 11 Худо айтгани бўйича ҳамма нарса ўз вақтида
содир бўлади. Худо юрагига солгани учун инсон вақт ўтишини сезади, лекин Худо
бошидан охиригача қилган ишларни инсон тушуна олмайди. 12 Инсон учун бахтли
ҳаёт кечириш, ўз ҳаётидан роҳатланишдан бошқа яхшироқ нарса йўқ эканлигини
тушуниб етдим. 13 Ҳамма еб, ичиб, ўз қилган меҳнатининг роҳатини кўрсин. Бу
Худонинг инъомидир. 14 Худо қилган ҳар бир иш то абад ўзгармас, бу ишга ҳеч
нарса қўшиб бўлмайди, ундан ҳеч нарсани айириб бўлмайди. Худо бу ишларни,
ҳамма Мендан қўрқсин, деб қилди. 15 Ҳозир нима бўлса, олдин ҳам бўлган,
келажакда бўладигани ҳозир ҳам бордир. Ўз вақтида Худо ўтмишни яна қайтарар.

Дунёдаги адолатсизлик

16 Мен яна бу дунёда адолат ҳукм суриши керак бўлган жойда — қозихонада
ҳам, тўғрилик ўрнида ҳам эгрилик кўрдим. 17 Ўзимга: “Яхшини ҳам, ёмонни ҳам
Худо ҳукм қилади, чунки Худонинг Ўзи ҳар бир нарсанинг, ҳар бир ишнинг
вақтини белгилаган”, дедим. 18 Мен яна одамзод ҳақида шуни тушундим:
“Инсонлар ҳам худди ҳайвонлардай экан. Шуни кўрсатиш учун Худо инсонларни
синар экан.” 19 Ахир, одамлар билан ҳайвонларнинг тақдири бир хил, униси ҳам
буниси ҳам ўлади. Инсонларга ҳам, ҳайвонларга ҳам Худо жон* берган, одамлар
ҳайвонлардан устун эмас. Ҳаммаси беҳуда* экан. 20 Ҳамма битта жойга боради,
тупроқдан яралганлар тупроққа қайтади. 21 Инсоннинг руҳи тепага чиқадими,
ҳайвонларнинг руҳи* пастга — ернинг остига тушадими, ким билади?! 22 Шунда
мен тушундим: инсон учун ўз меҳнатидан роҳат олишдан бошқа яхшироқ нарса
йўқ экан, чунки бу унинг тақдири. Инсон ўтиб кетгандан кейин нима бўлишини
ким унга кўрсата олади?!

4–БОБ

1 Мен яна бу дунёда бўлаётган зулмни кўрдим. Мана эзилганларнинг кўз
ёшлари, лекин уларнинг юпатувчиси йўқ. Уларга зулм қилаётганларида куч бор,

эзилганларнинг эса юпатувчиси йўқ. 2 Шунда мен: “Марҳумлар тириклардан
бахтлироқдир”, дедим. 3 Аммо ҳали туғилмаганлар марҳумлардан ҳам
бахтлироқдир, чунки улар бу дунёда қилинаётган қайғули ишларни кўрмаганлар.
4 Мен яна бир нарсани кўрдим: инсон ҳамма ишни моҳирлик билан қилади,
лекин бу ишни бировга ғайирлик билан қилса, бу ҳам беҳуда*, шамол орқасидан
қувишдайдир. Аммо:

5 Нодон қўлларини қовуштириб ўтириб ўзини ўзи хароб қилади.
6 Вақтни елга совуриб, машаққатли меҳнат билан икки ҳовуч нарсага
эришиш мумкин, лекин хотиржамлик билан бир ҳовуч нарсага эга
бўлиш ундан афзалроқдир.

7 Бу дунёда яна бир беҳудаликни кўрдим. 8 Мана, бир киши — ёлғиз, унинг
фарзандлари ҳам, ака–укалари ҳам йўқ. У тиним билмай меҳнат қилади, кўзи эса
бойликка тўймайди. У: “Ким учун ишлаяпман, нима учун ўзимни роҳат қилишдан
қисяпман?!” демайди. Бу ҳам беҳудадир, қайғули ишдир.
9 Икки киши бир кишидан кўпроқ иш бажара олади, улар ўз меҳнатлари учун
яхши тақдирланадилар. 10 Агар биттаси йиқилса, иккинчиси турғизади, лекин
ёлғиз бўлганнинг аҳволи чатоқдир, у йиқилса, турғизишга ёнида ҳеч ким
бўлмайди. 11 Икки киши бирга ётса, совуқ қотмайдилар, агар киши бир ўзи ётса
қандай қилиб исинади?! 12 Киши бир ўзи бўлса, уни йиқитиш осон, лекин икки
киши ўзларини ҳимоя қила олади. Учта ипдан эшилган арқонни узиш қийиндир.
13 Қари, маслаҳатга қулоқ солмайдиган нодон шоҳдан камбағал, лекин доно
бўлган йигит яхшироқдир. 14 Шунга ўхшаш бир йигит ўз юртида камбағал бўлиб
туғилиб, қарзини тўлай олмай қамоққа тушиб қолиши мумкин. Лекин қамоқдан
чиққандан кейин* келажакда шоҳ бўлиши ҳам мумкин. 15 Шоҳнинг вориси бўлган
ўша йигитни қўллаб–қувватлашга тайёр бўлган, мана шу дунёда яшаётганларни
кўрдим. 16 Унга эргашганлар сон–саноқсиз бўлиб кетиши, унинг обрўси ортиши
мумкин. Шундай бўлса ҳам, келажак авлод уни рад қилади. Ҳа, бу ҳам беҳуда экан,
шамолнинг орқасидан қувишдай экан.

Шошқалоқлик билан ваъда берманг

17 Худонинг уйига борганда қадамингизни ўйлаб босинг. Нодонлардай ҳаракат
қилмасдан, аксинча, қулоқ солиш учун боринглар. Нодонлар Худога ўйламасдан
қурбонлик келтирадилар*. Ўйламасдан, бепарволик билан қурбонлик келтириш
фосиқлик эканлигини эса тан олмайдилар.

5–БОБ

1 Ҳеч қачон гапиришга шошилма, қалбингда Худога ваъда беришга ховлиқма.
Худо самода, сен эса ердасан, шунинг учун камгап бўлгин.

2 Ташвиш кўп бўлганда, пуч ниятлар ҳам кўпаяди,
Кўп гапирганда, оғиздан аҳмоқона сўзлар чиқади.

3 Худога назр атаганингдан кейин уни бажаришни орқага сурмагин. У
нодонларни ёқтирмайди. Албатта ваъдангда тургин. 4 Ваъда бериб, уни
бажармасликдан кўра, умуман ваъда бермаслик яхшироқдир. 5 Шундай пайтда
тилинг сени гуноҳга етакламасин. Руҳонийга*: “Назр атаб, хато қилдим”, деб
айтмагин. Шундай деб Худонинг қаҳрини келтирсанг, ўз қўлларинг билан қилган
ишларингни Худо бузиб ташлаши мумкин. 6 Пуч ниятлару кўп гапириш беҳуда*

оқибатларга олиб боради. Шундай қилиш ўрнига Худодан қўрққин.

Ҳаёт беҳудадир

7 Агар камбағалларга зулм қилинаётганини, адолат ва ҳақиқат йўқлигини
кўрсанг, ҳайрон бўлмагин, ҳар бир амалдорнинг устидан ундан ҳам каттароғи
бор, уларнинг устидан яна ҳам каттароғи бордир. 8 Ҳаммаси, ҳатто шоҳ ҳам,
даланинг ҳосилига кўз тикиб, улуш талаб қилиб олади.
9 Пулга ружу қўйган ҳеч қачон пулга, бойликни яхши кўрган эса бойликка
тўймайди. Бу ҳам беҳудадир. 10 Буюм, нарсалар кўпайганда, уларни ишлатиб
юборадиганлар ҳам кўпаяди. Бойликнинг эгаси фақат ўз бойлигига термулиб
қарашдан бошқа яна қандай фойда топади?! 11 Меҳнаткашлар кам еса ҳам, кўп еса
ҳам тинч ухлайди, бойлар эса бойлиги кўплигидан хавотирланиб ухлай олмайди.
12 Бу дунёда шундай бир қайғули фожиа кўрдим: йиғилган бойлик эгасига
зарар келтиради, 13 яъни ўша бойлик қандайдир омадсизлик туфайли йўқолади.
Ўз болаларига қолдириш учун эса бой одамнинг ҳеч нарсаси бўлмайди. 14 Онадан
қандай туғилган бўлса, шундайлигича бу дунёдан кетади, қилган
меҳнатларининг меваларидан бирортасини қўлларида олиб кета олмайди. 15 Бу
ҳам қайғули фожиадир: инсон қандай келган бўлса, шундайлигича кетади, шамол
учун меҳнат қилиб қандай фойда топади? 16 Бутун умрини қоронғиликда
ўтказади, қайғу–алам, ғазаб ва хасталиклар билан яшайди.
17 Мана, мен бир нарсани тушундим: инсон учун Худо берган қисқа умри
давомида ейиш, ичиш ва бу дунёда қилган ўз меҳнатидан завқланиш яхши экан,
чунки бу инсоннинг тақдиридир. 18 Худо кимга бойлик ва мулк бериб, унга мана
шу нарсалардан роҳатланишга имконият ҳам берса, инсонга ўз қилган
меҳнатидан мамнун бўлиб, ундан завқланишига йўл берса, мана шу Худонинг
инъомидир. 19 Бундай инсон ҳаёти ҳақида қайғурмайди ҳам, чунки Худо унинг
қалбини завқланиш билан банд қилади.

6–БОБ

1 Бу дунёда шундай бир фожиани кўрдим, у инсон зотини тошдай босиб
туради: 2 Худо баъзиларга бойлик, мулк ва обрў беради, бу инсонлар кўнгли
хоҳлаган нарсага эга бўлади. Лекин Худо уларга бу нарсалардан завқ олишга йўл
бермаса, бир бегона бу нарсаларнинг роҳатини кўради. Бу беҳуда*, қайғули
фожиадир. 3 Инсон юзта фарзандли бўлиши ҳам мумкин, узоқ умр кўриши ҳам
мумкин, лекин у қанча кўп яшаса ҳам, мана шу ҳаётнинг роҳатини кўрмаса ёки
ҳурмат билан кўмилмаса, менимча, ўлик туғилган боланинг тақдири уникидан
яхшироқдир. 4 Бу бола беҳуда дунёга келиб, оламдан ўтади. Ҳеч ким уни билиб
танимайди. 5-6 У қуёш юзини кўрмаган, ҳаёт нималигини билмаган. Шундай бўлса
ҳам, икки минг йил яшаб ҳаётнинг роҳатини кўрмаган кишидан кўра, кўпроқ ўша
бола ором олади. Барибир ҳамма бир жойга* боради–ку!
7 Инсоннинг барча меҳнатию интилишлари ўз қорнини тўйдириш учундир,
шунда ҳам у ҳеч қачон қониқмайди. 8 Доноларнинг нодонлардан қандай
устунлиги бор? Камбағаллар бу ҳаётни уддалаб яшашга ақллари етса ҳам, уларга
бундан нима фойда бор?! 9 Одамнинг кўзи олдида турган нарса дилда ҳавас қилиб
юрган нарсадан яхшироқдир. Доимо мол–мулким кўпайсин, деб ҳавас қилиш
беҳудадир, шамолнинг орқасидан қувишдайдир.

Ҳамма нарсани Худо белгилайди

10 Дунёда нима бўлса, ҳаммаси аллақачон белгиланган, инсоннинг тақдири ҳам
маълум, ҳеч бир киши ҳаммадан кучли бўлган Худо билан баҳслаша олмайди.

11 Қанча кўп баҳслашсанг, шунча беҳудадир, сенга ҳеч қандай фойдаси йўқ. 12 Ҳаёт
елдай ўтиб кетар*, инсон учун нима яхшилигини ким билади?! Худо ҳаётимизни
ўтиб кетадиган соядек қилиб қўйган, ким ҳам бизга келажакда нима бўлишини
айтиб бера оларди?!

7–БОБ

Доноларнинг маслаҳати

1 Яхши ном қимматбаҳо хушбўй мойдан*, ўлим куни эса туғилган кундан
яхшироқдир.
2 Тўй бўлаётган уйга боришдан кўра, азадор хонадонга бориш яхшироқ, чунки
ҳамманинг тақдири бир, ҳаёт бўлганлар буни унутмасинлар.
3 Қайғу кулгидан яхшироқдир, қайғули юз юракка яхши.
4 Дононинг қалби азадор уйдагилар биландир, нодон эса доимо хурсандчилик
ҳақида ўйлайди.
5 Доно одамнинг танбеҳини эшитиш нодоннинг мақтовларидан яхшироқ,
6 чунки нодоннинг мақтов куйи қозоннинг остида ёниб турган янтоқнинг
чирсиллашига ўхшайди. Аммо бу ҳам беҳуда*, чунки 7 дўқ–пўписа донони ҳам
телба қилади, пора эса юракни эгри қилади.
8 Ҳамма нарсанинг охири — бошидан, сабр–тоқат — мағрурликдан
яхшироқдир.
9 Жаҳлдор бўлмагин, чунки жаҳл нодонларнинг юрагида уй қуради.
10 “Нима учун ўтмиш кунлар ҳозиргилардан яхшироқ эди?” деб сўрамагин, бу
саволни сўраш доноликдан эмас.
11 Донолик худди мерос каби яхшидир, бу дунёда ҳаёт бўлганларга
фойдалидир. 12 Донолик ҳам, пул каби, вақтинчалик ором беради, донолик ҳаётга
чидашга ёрдам беради, илм–маърифат фойда келтиради.
13 Худо қилган ишларга қарагин, У эгри қилган нарсаларни ким ҳам тўғрилай
оларди?! 14 Бахтли кунларингда қувонгин, қайғули кунларингда эса шуни эсингда
тут, қувончни ҳам, қайғуни ҳам Худо яратган. Ҳеч ким келажакда нима бўлишини
айтиб бера олмайди*.

Инсон донолигининг меъёри

15 Мана шу беҳуда ҳаётим давомида ҳамма нарсани кўрдим. Солиҳ инсонлар
солиҳ бўлсалар ҳам ҳалок бўладилар, фосиқлар эса ўз фосиқликлари билан узоқ
умр кўрадилар. 16 Қонунпараст бўлма, донолигингга жуда ҳам ишонаверма*, нима
учун ўзингни ўзинг ҳалок қилишинг керак?! 17 Аммо шаккок ёки аҳмоқ ҳам
бўлмагин, нима учун ажалинг етмай туриб вафот этишинг керак?! 18 Бу
насиҳатларнинг бирини тутиб, иккинчисини унутма. Худодан қўрққан иккисини
ҳам эсда тутади.
19 Донолик инсонни шаҳардаги ўнта ҳукмдордан қудратлироқ қилади. 20 Лекин
бу дунёда ҳар доим солиҳлик қилиб, умуман гуноҳ қилмайдиган инсон йўқдир.
21 Хизматкоринг сени ёмонлаётганини эшитиб қолмаслигинг учун одамлар
гапираётган ҳамма нарсага ҳам эътибор беравермагин. 22 Ўзинг биласан, сен
ўзинг ҳам бошқаларни жуда кўп ёмонлагансан–ку!
23 Буларнинг ҳаммасини донолигим билан синаб кўрдим, ўзимга: “Доноликка
эришаман”, дедим, лекин унга ета олмадим. 24 Ҳамма содир бўладиган
нарсаларнинг маъноси жуда чуқур, етиб бўлмасдир. Ким ҳам уни топа оларди?!
25 Шунда мен доноликни қидириб топишга, ҳар бир содир бўлган нарсани
тушунишга ўзимни бағишладим. Фосиқлик нодонлик эканлигини, аҳмоқлик

телбалик эканлигини ўз ҳаётимда исботламоқчи бўлдим. 26 Мен мана бу нарсани
билдим. Аҳмоқлик бир аёлга ўхшайди. У ўзи тузоқ, юраги тўр, қўллари эса
занжирдайдир. У ўлимдан ҳам аччиқроқ экан. Худога маъқул келадиган ишларни
қиладиганлар ундан қоча оладилар, лекин гуноҳкор унинг қўлларига тушади.
27-28 Воиз* шундай деди: “Бекорга ҳар бир содир бўлган нарсанинг маъносини
қидириб (бу маънони жуда синчковлик билан излаган бўлсам ҳам), мана шу
нарсани тушуниб етдим: минглар орасида битта солиҳ кишини топдим,
шуларнинг орасидан битта ҳам солиҳ аёл топа олмадим. 29 Аммо бир нарсани
англадим, қаранг, Худо инсонларни тўғри қилиб яратган, лекин улар ҳар хил
қабиҳ режалар тузади.”

8–БОБ

Шоҳга итоат этинглар

1 Ким доно кишига ўхшайди? Ким бирор нарсанинг маъносини билади?

Донолик кишининг юзини яшнатади,
Юз қаттиқлигини юмшатади.

2 Худога берган қасамингни бажарганингдай, шоҳнинг ҳам амрига итоат қил*.
3 Унинг олдида қўрқиб туравермасдан, бориб айтганини қил. Ёмон ишларнинг
тарафдори бўлма, чунки шоҳ ўзи хоҳлаган ишни қилади. 4 Шоҳнинг сўзи
эътиборлидир, ҳеч ким унга: “Нима қиляпсиз?” — деб айта олмайди.
5 Фармонларга итоат қилганларга зарар етмайди.
Доно киши ҳамма нарсанинг, ҳатто ҳукмнинг ҳам ўз вақти борлигинию
6 инсоннинг қилган ёвузликлари уни тошдек босиб туришини билади. 7 Доно
киши яна шуни билади: ҳеч ким келажакда нима бўлишини, қачон содир
бўлишини билмайди. 8 Ҳеч кимнинг шамолни* ушлашга кучи етмаганидай, ўлим
кунини орқага суришга ҳам ҳеч кимнинг кучи етмайди. Жангчи ўрнига бировни
қўйиб, урушдан қоча олмагандай, фосиқлар ҳам фосиқликдан қочиб
қутулолмайди.

Фосиқлар ва солиҳлар

9 Бу дунёда бўлаётган ҳамма нарса ҳақида чуқур ўйлаб, буларнинг ҳаммасини
кўрдим, бир киши иккинчисининг устидан зулм ўтказиб, ҳукмронлик қиладиган
бир замон бу. 10 Яна шу нарсани кўрдим, фосиқ кишининг жасади муқаддас
жойдан олиб чиқилди. Орқасидан оломон борарди, ўша фосиқ киши ҳурмат билан
кўмилди. Солиҳларнинг жасадлари эса сочилиб ётарди. Бу ҳам беҳудадир*.
11 Жиноятга тез жазо берилмагани учун инсонларнинг юраги ёвузликлар
қилишга доим тайёр. 12-13 Гуноҳкорлар юз марта жиноят қилсалар ҳам, узоқ умр
кўришлари мумкин. Ҳа, “Худодан қўрқадиганларга ундан ҳам яхшироқ бўлади,
чунки улар Худодан қўрқадилар. Фосиқларга эса яхши бўлмайди, ҳаётлари соядай
тез ўтиб кетади, чунки улар Худодан қўрқмайдилар” деган гапни биламан.
14 Қаранглар–а, бу дунёда мана шундай бемаъни* нарсалар ҳам содир бўлади,
солиҳлар фосиқларга лойиқ бўлган жазони оладилар, фосиқларга эса худди
солиҳлардай муносабатда бўладилар. Мен: “Бу ҳам беҳудадир”, — дедим.
15 Шунинг учун мен бу ҳаётдан роҳат олишни маслаҳат бераман. Бу дунёда
одамларга ейиш, ичиш ва хурсанд бўлишдан бошқа яхшироқ нарса йўқдир. Худо
инсонга берган бу дунёдаги ҳаёти давомида қиладиган меҳнатида шодлик у
билан бўлади.

16-17 Доноликни билишга, ер юзида бўлаётган ишларни ўрганишга ўзимни
бағишладим. Худонинг ҳамма ишларини кўрдим, ҳақиқатан ҳам ҳеч ким бу
дунёда Худо нима қилаётганини тушунмайди. Ҳатто уйқудан воз кечиб ҳам, қанча
ҳаракат қилмайлик, билолмаймиз, маъносини топа олмаймиз. Донолар:
“Биламиз”, деб айтади, аммо улар ҳам ҳақиқатан тушунмайдилар.

9–БОБ

1 Буларнинг ҳаммасини юрагимга жойлаб, улар ҳақида яхшилаб ўйладим:
солиҳлар ҳам, донолар ҳам, уларнинг ишлари ҳам Худонинг қўлида экан, ҳатто
уларнинг севгиси ҳам, нафрати ҳам Худонинг қўли остида экан. Ҳеч ким
келажакда нима бўлишини билмайди. 2 Ҳамманинг тақдири бир хил, солиҳнинг
ҳам, фосиқнинг ҳам, яхшининг ҳам, ёмоннинг* ҳам, ҳалолнинг ҳам, ҳаромнинг
ҳам, қурбонлик қиладиганларнинг ҳам, қурбонлик қилмайдиганларнинг ҳам
тақдири бирдир. Гуноҳкорларга нима бўлса, яхшиларга ҳам шундай бўлади,
художўйлик билан назр қиладиганларнинг ҳам, чин кўнгилдан назр
қилмайдиганларнинг ҳам қисмати бир. 3 Бу дунёда бўлаётган ҳамма ишларнинг
қайғулилиги шундадир: ҳамманинг тақдири бир хил. Шунинг учун ҳамманинг
юраги ғазабу аламга тўла, ҳаётликларида юраги телбалик билан тўла. Кейин эса
улар бу оламдан ўтадилар. 4 Лекин ҳаёт бўлганнинг умиди бор, ахир: “Тирик ит
ўлик шердан яхшироқ”, — дейишади–ку. 5 Ҳаёт бўлганлар ҳеч бўлмаса
ўлишларини биладилар, марҳумлар эса ҳеч нарсани билмайдилар. Марҳумлар
учун ҳеч қандай мукофот йўқ, вақти келиб ҳеч ким уларни ёдга ҳам олмайди.
6 Улар севган, нафратланган ва жон куйдирган нарсаларнинг ҳаммаси ўтиб
кетган. Бундан кейин улар ҳеч қачон бу дунёда бўлаётган нарсаларга қўшила
олмайдилар.

7 Марҳамат, нонингизни шодлик билан еяверинг, шаробингизни қувноқ юрак
билан ичаверинг, чунки Худо шундай қилишингизни маъқул кўрган.
8 Кийимларингиз ҳар доим оппоқ бўлсин, бошингиздан хушбўй мой аримасин. 9 Бу
дунёдаги сизга берилган умр давомида ўз севган хотинингиз билан тез ўтиб
кетадиган* бу ҳаётдан завқланинг. Ҳаётингиз ва дунёда қиладиган
меҳнатларингиз давомида сизга шундай имкониятни Худо берган. 10 Нима
қилсангиз ҳам бор кучингиз билан қилинг, чунки сиз бораётган жой — ўликлар
диёрида* ҳеч қандай иш, фаҳм–идрок, илм–маърифат ёки донолик йўқдир.

11 Мен яна бир нарсани тушундим, бу дунёда:

Мусобақада ғалаба доимо тез югурганга,
Жангда ғалаба доим кучлига насиб этмас экан.
Мол–мулк доимо донога,
Бойлик ҳам доим уддабуронга насиб этмас экан.
Муваффақият доимо билимдонга келавермас экан.

Ҳа, куни келиб, ҳамманинг ҳам омади кетади. 12 Кулфат қачон келишини ҳеч ким
билмайди. Тўрга тушиб қолган балиқ ва тузоққа илинган қушлардай, инсонлар
ҳам бошларига кулфат тушганда бирданига тутилиб қоладилар.

Донолик ва нодонлик ҳақида ўйлар

13 Бу дунёда мен донолик ҳақида қуйидаги берилган намунани кўрдим.
Менимча бу жуда ҳам муҳим эди. 14 Кичкина бир шаҳарча бўлган экан, унда
яшовчиларнинг сони ҳам кўп эмас экан. Бир қудратли шоҳ бостириб келиб, мана
шу шаҳарчани қуршовга олибди. Шаҳарчани қўлга киритиш учун катта

тайёргарликлар кўриб, баланд қурилмалар ясабди. 15 Бу шаҳарда бир киши яшар
экан. Ўзи камбағал, лекин доно экан. У ўзининг донолиги билан шаҳарни
қутқариб қолиши мумкин эди, лекин бу камбағал кишини ҳеч ким эсга олмади*.
16 Мен ўзимга: “Донолик қудратдан яхшироқ бўлса ҳам, камбағал кишининг
донолигини ҳеч ким қадрламайди, унинг сўзларига қулоқ солмайди”, дедим.
17 Шундай бўлса ҳам,

Доно кишининг хотиржамлик билан айтган сўзлари нодон ҳукмдорнинг
баланд овоз билан айтган сўзларидан афзалроқдир.
18 Донолик уруш қуролларидан яхшироқдир, лекин бир бефаросат кўп
яхшиларни бузади.

10–БОБ

1 Ўлик пашшалар хушбўй мойни саситиб юборади, шунингдек, озгина
аҳмоқлик кўп доноликдан оғирроқ чиқади.
2 Дононинг юраги ўнгга — тўғри ишларни қилишга, нодонники эса чапга —
фосиқликка тортади. 3 Аҳмоқлар ақли етмай, қилган қилиқлари билан ҳам
ҳаммага аҳмоқлигини кўрсатади.
4 Агар ҳукмдорнинг сендан жаҳли чиқса, жойингни ташлаб кетмагин, чунки
вазминлик туфайли хафагарчиликлар ҳам босилиб кетади.
5 Мана мен бу дунёда кўрган фожиа, ҳукмдордан бошланган катта хато:
6 аҳмоқлар баланд лавозимга кўтарилади, бойлар эса пастда ўтиришади. 7 Мен яна
шуни кўрдим: зодагонлар худди қуллардай пиёда юрганда, қуллар отда юрарди.
8 Чуқур қазиганнинг ўзи унга тушиши, деворни бузганни эса илон чақиши
мумкин. 9 Тош кесган ўзига зарар етказиши, хода ёрган эса оғриққа дучор бўлиши
мумкин. 10 Агар болта ўтмас бўлса–ю, уни ўткирламасанг, уни ишлатиш учун
кўпроқ куч керак бўлади. Мана, доноликдан қандай фойда бор экан. 11 Аммо илон
ўйнатилмасдан олдин чақиб олса, илон ўйнатувчига донишмандликнинг нима
фойдаси бор?!
12 Доноларнинг сўзлари уларга ҳурмат келтиради, нодонларнинг сўзлари эса
ўзларини ҳалок қилади. 13 Уларнинг сўзлари аҳмоқлик билан бошланиб, ғирт
телбалик билан тугайди, 14 шунда ҳам аҳмоқлар гапираверадилар. Ҳеч ким нима
бўлишини билмайди, ким бизга келажакни айтиб бера олади?! 15 Нодоннинг
ҳаракатлари уни жуда чарчатади, чунки у шунчалик аҳмоққи, шаҳарга борадиган
йўлни ҳам қайта топа олмайди.
16 Эй шоҳи ёш бўлган, ҳукмдорлари эрталабдан зиёфат қиладиган юрт, сенга
афсус–надоматлар бўлсин. 17 Шоҳи асилзода бўлган, ҳукмдорлари майхўрлик учун
эмас, куч тўплаш учун ўз вақтида зиёфат қиладиган юрт бахтлидир.

18 Дангасаликдан уйнинг томи чўкади,
Ялқовлик туфайли томдан чакки ўтади.
19 Зиёфат берилганда кўнгил шодликка тўлади,
Шароб инсонни хушнуд этади.
Лекин иккаласи учун ҳам пул керак.

20 Ҳатто сирдош дўстларинг орасида ҳам шоҳни лаънатлама, ўз ётоқхонангда ҳам
бойларни ёмонлама. Яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам қаноти бордир.
Осмондаги қуш сўзларингни етказиб бориши мумкин.

11–БОБ

Доно кишининг ишлари

1 Нонингни сувга ташла, бир неча кундан кейин уни яна топасан. 2 Бу дунёда
қандай кулфат келишини билмайсан, шунинг учун нарсаларингни етти, ҳатто
саккиз кишига бўлиб бергин*.
3 Булутлар тўлганда, ерга ёмғир ёғади, дарахт шимол томонга ёки жануб
томонга йиқилса ҳам, ўша йиқилган жойида ётаверади. 4 Шамолни кўриб қўрққан
ҳеч қачон уруғ экмайди, ёмғирдан хавфсираб, булутни кузатган ҳеч қачон ҳосил
ўрмайди. 5 Онанинг бачадонидаги болага қандай қилиб жон* киришини
билмаганингдек, ҳамма нарсани содир қиладиган Худонинг ишларини
билмайсан. 6 Уруғларингни эрталаб эккин, кечқурун ҳам қўлларинг бўш
ўтирмасин, чунки сен қайси бири — унисими ёки бунисими яхши ўсишини
билмайсан, балки иккаласи ҳам яхши ўсар.

Ёшларга маслаҳат

7 Ёруғлик лаззатлидир, қуёшни кўриш кўзлар учун ҳам ёқимлидир. 8 Узоқ
йиллар яшайдиганлар ҳам ҳар бир яшаган кунларидан завқ олсин, ҳали кўп
қоронғилик кунлари бўлишини эсда тутсин. Ҳамма келадиган нарсалар елдай
ўтиб кетади*. 9 Эй йигит, ёшлигингда роҳатлан, юрагинг сени завқлантирсин.
Кўнглинг орзу қилган, кўзларинг хоҳлаган ишни қилгин, лекин билиб қўй, ҳар
бир қилган ишинг учун Худо сени ҳукм қилади. 10 Қайғурмагин, тананг оғриқни
билмасин, чунки ёшлик, ҳаёт тонги елдай тез ўтиб кетади.

12–БОБ

1 Ёшлигингда, қайғули кунлар келишидан олдин Яратганни ёдда тут, шундай
йиллар келадики, сен: “Бу вақт менга ҳеч қандай роҳат келтирмайди”, — дейсан.
2 Ҳаётингнинг ўша йилларида:

Қуёш, ёруғлик, ой ва юлдузлар қорайар,
Ёмғирли булутлар ўтиб кетмас.
3 Сени ҳимоя қилган қўлларинг қариликдан қалтирар,
Кучли оёқларинг заифлашар,
Тишларинг камлигидан чайнай олмассан,
Кўзларинг яхши кўрмайдиган бўлиб қолар.
4 Қулоқларинг ҳам кўчада буғдой янчилаётганинию
Ашулачилар овозини эшитолмайдиган даражада кар бўлиб қолар.
Қушларнинг овози эса сени уйғотиб юборар.
5 Баландликлардан қўрқадиган бўлиб қоларсан,
Эҳтиёткорлик билан қадам ташларсан.
Сочларинг гулга кирган бодом дарахтидай оппоқ бўлиб қолар,
Туриб юришга қийналарсан,
Белингнинг қуввати кетиб судралиб юрарсан.
Ҳар бир инсон дунёдан ўтгандай, сен ҳам вафот этарсан,
Азадорлар кўчаларни тўлдирарлар.
6 Кумуш занжир узилар,
Ҳаётнинг тилла чироғи тушиб кетиб, бузилар.
Булоқ бошидаги сув кўзаси синиб кетар,
Қудуқнинг арқони узилиб кетар.

7 Сенинг ўткинчи тананг
Ернинг тупроғига қайтар,
Худо берган руҳинг* ҳам
Унинг Ўзига қайтар.

8 “Беҳуда!* Беҳуда!
— дейди Воиз*. —
Ҳаммаси беҳудадир!”

Хулоса

9 Воиз доно одам эди. У ўз билганларини одамларга ўргатди, сабр–тоқат билан ҳикматларни ўрганиб, уларни тўғрилаб ёзди. 10 Воиз маъқул келадиган сўзлар топишга ҳаракат қилиб, ҳақиқат сўзларини очиқ ёзди.

11 Доноларнинг ҳикматлари ўткир таёққа ўхшайди, ҳикматли сўзлар маҳкам қоқилган михларга ўхшайди. Буларнинг ҳаммасини барчамизнинг Чўпонимиз берган. 12 Булардан бошқа насиҳатларга эҳтиёткорлик билан қарагин, болам*.

Кўп китоб ёзишнинг охири йўқ,
Кўп ўқиш одамни чарчатади.

13 Ҳамма нарса айтилди, мана энди хулоса: Худодан қўрқ, Унинг амрларини бажар, чунки бу ҳамманинг бурчидир. 14 Ҳар бир ишни, ҳатто яширин қилинган ишларни ҳам, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, Худо ҳукм қилади.

ИЗОҲЛАР

Воиз — ўзбек тилида бу сўз билимдон, донишманд инсонни билдириб, унинг ҳикматлари ва чуқур мазмунли нақллари кўпчиликка ибрат бўлади. Шубҳасиз, воизлар кенг омма орасида катта обрў–эътиборга сазовордирлар. 1:1 изоҳига қаранг.

1:1 *Воиз* — ибронийча матнда *Қоҳелет* (шу бобнинг 2, 11, 12–оятларида ҳам бор). Баъзилар бу ибронийча сўзни атоқли от деб айтадилар, аммо бу сўз жамоа етакчиси ёки нотиқ лавозимини билдириши ҳам мумкин. Мазкур китобда ушбу сўз ниҳоятда донишманд, донолик ҳақида кўп ҳикматлар йиққан ва уларни ўрганиб чиққан кишига нисбатан ишлатилган (яна “Кириш”даги изоҳга қаранг). Кенг тарқалган қарашларга кўра, Воиз шоҳ Сулаймондир.

1:2 *Беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 14–оятида ҳам бор). Бу тақлидий сўз бўлиб, нафас чиқарганда ҳосил бўладиган товушга ўхшайди. Бу сўз мана шу китобда маънисиз туюлган ёки инсон ақли етмайдиган, ишончсиз, ўткинчи нарсаларга ва ҳодисаларга нисбатан ишлатилган.

2:1 *беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 11, 15, 17, 19, 21, 23, 26–оятларида ҳам бор). 1:2 изоҳига қаранг.

2:14 *...ҳамманинг тақдири бир...* — яъни ҳамма ўлади (яна 3:19 га қаранг).

3:1 *Бу дунёда...ўз тайинланган пайти бор...ўз вақти бор* — яъни Худо дунёда содир бўладиган ҳар бир ҳодисанинг ўз вақтини белгилаб қўйган.

3:19 *жон* — бу ўриндаги ибронийча сўз *руҳ* ва *шамол* маъноларини ҳам ифодалайди.

3:19 *беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас*. 1:2 изоҳига қаранг.

3:21 *...руҳ...руҳ* — бу ўриндаги ибронийча сўз *нафас* ва *шамол* маъноларини ҳам ифодалайди.

4:4 *беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 7, 8, 16–оятларида ҳам бор). 1:2 изоҳига қаранг.

4:14 *...қарзини тўлай олмай қамоққа тушиб қолиши мумкин. Лекин қамоқдан чиққандан кейин...* — ибронийча матнда *...қамоқдан чиққандан кейин....* Камбағаллар ўзларининг ё ота–онасининг қарзларини тўлай олмагани учун ёки сиёсий сабабларга кўра, кўп зулм чекардилар. Уларнинг қамоққа ташланиши оддий ҳол бўлиб қолган эди.

4:17 *қурбонлик келтирадилар* — Худога ваъда бериш билан боғлиқ бўлган қурбонликлар назарда тутилган. Худога ваъда бериш ўта жиддий масъулиятдир. Аммо нодон киши ўзини кўрсатиш учун, ўйламасдан Худога ваъда беради, ваъдаси устидан чиқиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

5:5 *Руҳоний* — ибронийча матнда *элчи*, бу сўзнинг фаришта деган маъноси ҳам бор. Бу ўринда эса руҳоний назарда тутилган.

5:6 *беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 9–оятида ҳам бор). 1:2 изоҳига қаранг.

6:2 *беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 4, 9, 11–оятларида ҳам бор). 1:2 изоҳига қаранг.

6:5-6 *…бир жойга…* — бу оятда *Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

6:12 *…елдай ўтиб кетар…* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас*.

7:1 *…қимматбаҳо хушбўй мой…* — қадимги пайтларда бой одамлар баданига ва сочига қимматбаҳо хушбўй мойлар суртишган. Бу — хушбўй ҳид таратиш билан бирга терини соғлом сақлаган. Хушбўй мой бойликнинг белгиси бўлган ва ўз ҳиди билан шодиёна кунларни хаёлга келтирган.

7:6 *беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 15–оятида ҳам бор). 1:2 изоҳига қаранг.

7:14 *Ҳеч ким келажакда нима бўлишини айтиб бера олмайди* — ёки *Ҳеч ким Худодан айб тополмайди*.

7:16 *Қонунпараст бўлма, донолигингга жуда ҳам ишонаверма…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Жуда ҳам солиҳ бўлмагин, ўзингни ўта доно қилиб кўрсатмагин…*.

7:27-28 *Воиз* — ибронийча матнда *Қоҳелет*. 1:1 изоҳига қаранг.

8:2 *…итоат қил* — кўплаб иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *…итоат қиламан*.

8:8 *шамол* — бу ўриндаги ибронийча сўз *нафас* ва *руҳ* маъноларини ҳам ифодалайди.

8:10 *беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 14–оятида ҳам бор). 1:2 изоҳига қаранг.

8:14 *бемаъни* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас*. 1:2 изоҳига қаранг.

9:2 *ёмон* — қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда бу сўз йўқ.

9:9 *…тез ўтиб кетадиган…* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас*. 1:2 изоҳига қаранг.

9:10 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 6:5-6 изоҳига қаранг.

9:15 *…шаҳарни қутқариб қолиши мумкин эди, лекин бу камбағал кишини ҳеч ким эсга олмади* — ёки *…шаҳарни қутқариб қолди, лекин кейинчалик ҳеч ким бу камбағал кишини эсламади*.

11:1-2 *Нонингни сувга ташла…²…ҳатто саккиз кишига бўлиб бергин* — мана шу икки оят китоб ёзилган пайтда кенг тарқалган мақоллар бўлиши мумкин. Бу мақоллар инсонларни сахийликка ундаётган бўлса керак. Ахир, келажакда нима бўлишини ҳеч ким билмайди, аммо ҳаммага аёнки, кўпинча сахийларнинг ҳиммати уларга бошқалардан қайтади. Бу мақолларни яна, ишбилармонлик билан хорижий савдо–сотиққа сармоя қўшгин, деб тушунса ҳам бўлади. Шу бобнинг 1-6–оятларида Воизнинг асосий мақсади одамларни ҳаётда дадиллик билан иш қилишга, тажрибасизликлари туфайли ортга чекинмасликка ундашдир. Воиз шу мақсадда ўша пайтда машҳур бўлган мақоллардан фойдаланади.

11:5 *жон* — 3:19 нинг биринчи изоҳига қаранг.

11:8 *…елдай ўтиб кетади* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас* (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор). 1:2 изоҳига қаранг.

12:7 *руҳ* — 3:21 изоҳига қаранг.

12:8 *Беҳуда* — ибронийча матнда *ҳевл*, сўзма–сўз таржимаси *нафас*. 1:2 изоҳига қаранг.

12:8 *Воиз* — ибронийча матнда *Қоҳелет* (шу бобнинг 9, 10–оятларида ҳам бор). 1:1 изоҳига қаранг.

12:12 *...болам* — одатда донишманд муаллим ўз талабасига шундай мурожаат қиларди.

СУЛАЙМОН ПАЙҒАМБАРНИНГ ГЎЗАЛ ҚЎШИҒИ

Кириш

Мазкур китоб севги ҳақидаги шеърлар тўпламидир. Бу шеърларни бир қиз билан йигит бир–бирига севги изҳор қилиб айтган ёки қўшиқ қилиб куйлаган. Китобда йигит ва қиз баъзан хаёлан гапирадилар. Баъзан эса бир–бирларига ёки дўстларига мурожаат қиладилар. Баъзи шеърларда улар севгисининг илк дамларини эслаётганга ўхшайдилар.

Айрим таржималарда бу китобнинг номи иброний чадан сўзма–сўз таржима қилинган бўлиб, “Қўшиқларнинг қўшиғи” деб аталган, бироқ бу ном “энг гўзал қўшиқ” деган маънони ифодалайди. Бу китобнинг муаллифи шоҳ Сулаймон бўлгани учун, мазкур таржимада бошқа баъзи таржималардаги сингари “Сулаймон пайғамбарнинг гўзал қўшиғи” деб аталган.

Бу қўшиқларни ҳар хил тушуниш мумкин. Баъзилар, қўшиқлардаги йигит Сулаймоннинг ўзи, дейдилар. Бошқалар эса бу қўшиқни Сулаймоннинг саройида юз бераётган воқеа деб тушунадилар, яъни қиз шоҳнинг саройига келтирилган, лекин ўз қишлоғида севгилиси бор. Китобда баён этилишича, севишганлар охири топишадилар. Баъзилар бу қўшиқдаги йигит ва қизни “Худо ва Унинг халқи ёки Масиҳ ва Унинг жамоати* тасвири” деб тушунадилар.

Мазкур китобда иброний шеъриятидаги турли гўзал образлар кенг қўлланилган. Мевалар, зираворлар, шароб, боғ, қўзи, эчки каби образлар шулар жумласидандир. Бу тўпламдаги қўшиқлар қадимги Исроилда тўйларда ҳам айтилган бўлиши мумкин.

1–БОБ

[1] Сулаймоннинг энг гўзал қўшиғи.

Биринчи қўшиқ

Қиз:*

Ўпгин мени лабларинг билан,
Сенинг севгинг шаробдан ҳам ширинроқдир.
[2] Атир мойларинг қанчалик хушбўй!
Ёқимли атир каби номинг ҳар тарафга таралар.
Шунинг учун қизлар сени севарлар.
[3] Мени ўзинг билан олиб кет, тезроқ борайлик.
Эй шоҳим, мени ўз ётоғингга олиб киргин.

Қуддус қизлари:

Эй шоҳимиз, биз қувонамиз. Сиз билан севинамиз,
Шаробдан ҳам кўпроқ сизнинг севгингизни мақтаймиз.

Қиз:

Эй севгилим! Қизлар сени севиб, тўғри қилишади.
[4] Эй Қуддус қизлари!
Мен қорачадан келган бўлсам ҳам гўзалман,

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Кедар* чодирларидай қора бўлсам ҳам,
Сулаймон пардаларидай чиройлидирман.
5 Қоралигим учун менга паст назар билан қарамanглар.
Қуёш нурлари мени қорайтирди.
Ака–укаларимнинг мендан жаҳли чиқиб,
Мени узумзорлар қоровули қилиб қўйишди,
Аммо ўз узумзоримга* қарай олмадим!
6 Севгилим, менга айтгин–чи,
Қаерда ўз подангни боқасан?
Туш вақти уларни қаерга ётқизасан?
Айт менга, яна подачи дўстларинг олдида
Уятсиз* аёллардай бўлиб юрмай, ахир.

Йигит:

7 Қаердалигимни билмасанг,
Эй гўзалларнинг гўзали,
Поданинг изларидан боргин.
Чўпонларнинг чодирлари олдида
Ўз эчкиларингни ўтлатгин.
8 Эй севгилим,
Сен фиръавн аравасига қўшилган учқур отдай гўзалсан.
9 Зиракларинг туфайли ёноқларинг гўзалдир,
Марваридлар бўйнингни қандай чиройли қилар.
10 Сенга атаб тилладан безаклар,
Кумушдан тақинчоқлар ясаттираман.

Қиз:

11 Шоҳим ёнбошлаб ётганда,
Атирларим ўз ҳидини таратди.
12 Кўкракларим орасида ётган,
Хушбўй миррага* тўла халтача кабидир менинг севгилим.
13 У мен учун Эн–Геди* боғларидаги
Хина гулларидайдир.

Йигит:

14 Гўзалдирсан, эй севгилим,
Сен гўзалсан!
Кўзларинг кабутар кўзларидай назокатлидир.

Қиз:

15 Чиройлисан, эй севгилим,
Жуда ҳам хушрўйдирсан,
Ям–яшил майсалар бизнинг тўшагимиздир.
16 Садр дарахтлари томимиз бўлса,
Арчалар томимиз синчларидир.

2–БОБ

Қиз:

1 Мен Шарон* атиргулиман*,

Водийлар нилуфариман.

Йигит:

[2] Менинг севгилим қизлар орасида,
Тиканлар орасидаги нилуфар гулидайдир!

Қиз:

[3] Менинг севгилим йигитлар орасида,
Ўрмон дарахтлари орасидаги олма дарахтидай ажралиб турар.
Мен унинг соясида ўтириб завқ оламан,
Унинг меваси жуда ширин дир.
[4] У мени ўз меҳмонхонасига олиб кирди,
Мени ўз севгиси билан қоплади.
[5] Майизлар едириб, менга куч бергин,
Олмалар билан қувватга тўлдиргин,
Ахир, севгилимнинг ишқи дардида ёнмоқдаман.
[6] Унинг чап қўли бошим остидадир,
Ўнг қўли билан эса мени қучоқлайди!
[7] Эй Қуддус қизлари,
Кийигу ёввойи оҳулар* ҳақи онт ичинг.
Вақт–соати келмагунча,
Севгини қўзғатманг, уйғотманг.

Иккинчи қўшиқ

Қиз:

[8] Севгилим овози эшитиляпти,
Ана қаранглар, у келяпти.
Тоғлару қирлар оша келяпти.
[9] Севгилим оҳудай, ёш кийикдайдир.
Мана, у девор ортида турибди.
Ойналардан мўралаб,
Панжаралар орасидан қараб турибди.
[10] Севгилим менга шундай дейди:
“Тура қол, севгилим, оппоғим,
Мен билан юргин.
[11] Мана қиш ўтди, ёмғирлар тўхтади.
[12] Ер юзи гуллар билан қопланмоқда,
Юрт бўйлаб кабутарлар куйи эшитилмоқда,
Қўшиқ куйлаш вақти етиб келди.
[13] Анжир мева тугишни бошлади,
Токлар ҳам гулга кирди.
Улар хушбўй ҳидларини таратмоқда.
Тура қол, севгилим, оппоғим,
Мен билан юргин.”

Йигит:

[14] Севгилим, сен тоғларда яшайдиган,
Қояларда яширинадиган кабутардайсан.
Юзингни кўрсатгин, овозингни эшитай.
Овозинг жуда ширин, юзинг гўзалдир.

15 Қаранг, узумзоримиз гуллаб ётибди,
Кичкина тулкиларни* ушланглар.
Ахир, улар узумзорларни вайрон қилади.

Қиз:

16 Севгилим меникидир, мен эса уникиман,
У нилуфарлар териб, ўз боғидан завқ олади.
17 Тонг отмай туриб, бора қол, жоним.
Баланд тоғларда сакрайдиган оҳу, кийикдай бўлиб,
Қоронғилик чекинмасдан олдин, қайтиб кета қол.

3–БОБ

Қиз:

1 Кечқурун ўрнимда ётганимда,
Бутун қалбим билан севган ошиғимни қўмсадим.
Жуда қўмсадим, лекин уни тополмадим.
2 Энди туриб, шаҳарга чиқаман.
Шаҳар майдонларию кўчаларида юриб,
Севгилимни излайман.
Изладим–у, аммо уни тополмадим.
3 Қўриқчилар шаҳарни кезиб юриб,
Мени кўриб қолишди.
Улардан: “Севгилимни кўрмадингизми?” деб сўрадим.
4 Уларнинг олдидан кетишим биланоқ,
Севгилимни топдим.
Уни маҳкам қучиб, қўйиб юбормадим.
Онамнинг уйига олиб келдим.
Уни ўз туққан онамнинг хонасига олиб кирдим.
5 Эй Қуддус қизлари,
Кийигу ёввойи оҳулар* ҳақи онт ичинг.
Вақт–соати келмагунча,
Севгини қўзғатманг, уйғотманг.

Учинчи қўшиқ

Қуддус қизлари:

6 Даштда тутундай кўтарилиб,
Кўринаётган нарса нимадир?
Ундан аттор растасидаги барча хушбўй атирларнинг ҳиди,
Мирра* ва хушбўй тутатқиларнинг ҳиди келиб турибди.
7 Қаранглар, у Сулаймоннинг тахтиравонидир*,
Унинг атрофида олтмишта паҳлавони бор.
Улар Исроил халқи орасидаги энг баҳодир жангчилардир.
8 Қилич ўйнатишда ҳаммаси моҳир,
Жангда ҳам жуда маҳоратлидирлар.
Тунда бўладиган ҳужумлардан сақланиш учун
Уларнинг ҳаммаси қилич билан қуролланган.
9 Шоҳ Сулаймон ўз тахтиравонини
Лубнон ёғочларидан ясаттирган.

10 Бу тахтиравон дасталари кумушдан,
Орқаси тилладан ясалган,
Ўриндиғига эса сафсар кимхоб* тўшалган.
Қуддус қизлари тахтиравоннинг ичини
Муҳаббат билан безатганлар.
11 Чиқинглар, эй Сион қизлари!
Шоҳ Сулаймонга қаранглар.
Тўйи куни, юраги шодлик билан тўлган куни
Онаси кийдирган тожга қаранглар.

4–БОБ

Йигит:

1 Қандай гўзалсан, эй севгилим,
Қанчалик гўзалсан!
Чачвонинг ортидаги кўзларинг
Кабутарлардай мулойимдир.
Гилад қирларидан ёйилиб тушаётган
Қоп–қора қўйлардайдир сенинг сочларинг.
2 Ювиб–таралган, жуни қирқиладиган,
Оппоқ эчкилардайдир сенинг тишларинг.
Ҳар бирининг эгизи бор,
Ўрни ҳеч бўш қолмаган.
3 Лабларинг қирмизи ғунчалардайдир,
Оғзинг ҳам жуда гўзал.
Чачвонинг ортидаги ёноқларинг эса
Анорлардай қип–қизил.
4 Бўйнинг тик қурилган Довуд минорасидай,
Маржонларинг тизим–тизим,
Жангчиларнинг мингларча қалқонларидайдир.
5 Кўкракларинг эгизак кийиклардайдир.
Ҳа, нилуфарлар орасида ўтлайдиган
Икки кийикдайдир улар.
6 Қоронғилик чекинмасдан олдин,
Тонг отмай туриб,
Ўша хушбўй мирра* тоғига,
Зираворлар қирига чиқаман.
7 Ҳар жиҳатдан гўзалдирсан, севгилим,
Сенда ҳеч қандай нуқсон йўқ.
8 Кела қол, келинчагим,
Лубнондан менга кел.
Эмона ва Санир тоғларидан,
Хермон тоғларию* шерлар маконидан,
Қоплонларнинг масканидан туш.

9 Эй жоним, келинчагим,
Қалбимни асир қилдинг.
Кўзларингнинг нигоҳи билан,
Бўйнингдаги маржонинг билан

Қалбимни асир қилдинг.
10 Севгинг қандай ширидир,
Эй жоним, келинчагим.
Сенинг севгинг шаробдан ҳам яхшироқдир.
Атир мойларинг эса
Ҳар қандай зиравордан ҳам хушбўйроқдир.
11 Келинчагим, лабларингдан бол томар.
Асал ва сут тилинг остида,
Кийимларинг ҳиди Лубнон ҳидига ўхшар.

12 Жоним менинг, келинчагим.
Қулфланган боғ, девор билан ўралган булоқдайсан,
Ёпиб қўйилган чашмадайсан сен.
13 Аъло мевалар берадиган
Анор боғига ўхшайсан.
Бу боғда хина ва сунбуллар ўсади.
14 Ҳа, бу боғда сунбулу заъфарон,
Хушбўй қамиш ва долчин,
Ҳар хил хушбўй дарахтлар,
Мирра ва алоэ,
Энг аъло зираворлар ўсади.
15 Севгилим, сен боғдаги чашмага,
Ҳаётбахш сув булоғига ўхшайсан.
Лубнон тоғларининг оқар сувларидайсан.

Қиз:

16 Эй шимол шабадаси, қўзғал,
Жануб шамоли, келгин!
Боғимда эсгин,
Токи боғимнинг хушбўй ҳидлари
Ҳамма жойга таралсин.
Севгилим ўз боғига келиб,
Аъло меваларидан есин.

5–БОБ

Йигит:

1 Эй жоним, келинчагим, боғимга келиб,
Мирра* ва зираворларимни тўплайман.
Асалари мумини ҳамда асалимни ейман,
Сут ва шаробимни ичаман.
Тўйгунингча егин, севгилим,
Севгидан ичиб, қониққин.

Тўртинчи қўшиқ

Қиз:

2 Ухладим, лекин юрагим уйғоқ эди.
Ана, севгилим чақирмоқда:
“Очгин эшигингни, жоним, севгилим,

Кабутарим, комилим.
Бошим ҳўлдир шудрингдан,
Сочларим эса тун шабнамидан.”
3 Кийимларимни ечиб қўйганман,
Қандай қилиб яна кияман?!
Оёқларим ювилган,
Уларни кир қилайми?!
4 Севгилим қўлини эшик тешигидан киргизганда,
Бутун вужудим титраб кетди.
5 Севгилимни киргизай, дея турдим.
Қўлларимдаги мирра,
Эшикнинг тутқичларига оқиб тушди.
6 Севгилимга эшикни очдим,
Лекин у кетиб қолибди.
У кетганига юрак–бағрим эзилди*.
Қидириб, уни топа олмадим,
Чақирдим, лекин у жавоб бермади.
7 Шаҳарни айланиб юрган қўриқчилар
Мени кўриб қолдилар.
Улар мени уриб яраладилар.
Ўша шаҳар қўриқчилари
Устимдаги рўмолимни олиб қўйдилар.
8 Эй Қуддус қизлари, ваъда беринглар,
Севгилимни топсангиз, айтиб қўйинглар,
Унинг ишқи дардида ёнмоқдаман.

Қуддус қизлари:

9 Эй аёллар гўзали,
Севгилингнинг бошқалардан нимаси ортиқ?!
Унинг бошқалардан нимаси ортиққи,
Сен бизга, ваъда беринглар, деб айтасан?!

Қиз:

10 Севгилим қўҳлик, чиройлидир,
Ўн мингтанинг ичида ажралиб турар.
11 Боши энг аъло тилладай гўзал,
Жингалак сочлари қарғадай қоп–қорадир.
12 Кўзлари эса булоқлар бўйидаги кабутарлардай,
Чашмалар бўйидаги, сутга чўмдирилган каптарлардайдир.
13 Унинг ёноқлари муаттар ҳидли
Зиравор боғлари каби жуда хушбўйдир.
Лаблари эса мирра оқиб турган
Нилуфарлар каби ширидир.
14 Қўллари тилладан ясалиб,
Топаз тошлар билан безатилганга ўхшайди.
Танаси эса зангори ёқутлар ўрнатилган
Теп–текис фил суягидай чиройлидир.
15 Оёқлари тилла тагликка ўрнатилган
Мармар устунлари каби кучлидир.
Унинг қиёфаси улуғвор Лубнондай,

Қудратли, аъло садр дарахтларидайдир.
16 Унинг овози жуда ширин,
Ўзи эса ҳар жиҳатдан мафтункор.
Эй Қуддус қизлари, мана шундай йигит
Менинг севгилим, дўстимдир.

6–БОБ

Қуддус қизлари:

1 Севгилинг қаерга кетди,
Эй гўзалларнинг гўзали?
Айт–чи, қайси томонга йўл олди?
Биз сен билан уни қидирайлик.

Қиз:

2 Севгилим ўз боғига,
Хушбўй зираворлар боғига кетди.
У нилуфар гуллар териб,
Ўз боғидан завқ олгани кетди.
3 Мен севгилимники, севгилим эса меникидир!
У нилуфарлар териб, ўз боғидан завқ олади.

Бешинчи қўшиқ

Йигит:

4 Сен Тирза шаҳридай гўзалдирсан, севгилим,
Қуддус шаҳридай* хушрўйдирсан,
Байроқлари кўтарилган қўшиндай савлатлисан.
5 Кўзларингни олиб қоч мендан,
Улар мени мафтун қилганлар.
Гилад қирларидан ёйилиб тушаётган
Қоп–қора қўйлардайдир сенинг сочларинг.
6 Ювиб–таралган оппоқ
Эчкилардайдир сенинг тишларинг.
Ҳар бирининг эгизи бор,
Ўрни ҳеч бўш қолмаган.
7 Чачвонинг ортидаги ёноқларинг эса
Анорлардай қип–қизил.
8 Ана, олтмишта малика, саксонта канизак,
Сон–саноқсиз қизлар!
9 Аммо менинг кабутарим,
Комил севгилим ўзгачадир.
Онасининг эркаси,
Туққан онасининг ягонасидир.
Қизлар уни кўриб, у бахтлидир, дейишади,
Маликаю канизаклар уни кўриб, мақташади.
10 Маҳбубамнинг нигоҳлари тонгдайдир.
Ўзи эса тўлин ойдай гўзал, қуёшдай ёрқин,
Байроқлари кўтарилган қўшиндай савлатлидир.
11 Мен бодомзорга,

Водий чечакларини кўришга бордим.
Токлару анорлар гуллаганмикин, дея бордим.
12 Шоҳона аравада ўтиргандай,
Ҳаяжондан титрар эдим.

7–БОБ

Қуддус қизлари:

1 Қайтгин, қайтиб келгин, эй Шуламлик* қиз!
Қайтиб кел, сени яна бир бор кўрайлик.

Йигит:

Нима учун бу Шуламлик қизга қарайсизлар?!
У икки қатор қизлар орасида рақсга тушяптими?!
2 Эй маликага ўхшаган қиз!
Кафш кийган оёқларинг қандай чиройли!
Дўмбоқ сонларинг жавоҳирлардай,
Худди моҳир устанинг қўли билан ишлангандай!
3 Доимо хушбўй шаробга тўла бўлган,
Дум–думалоқ косадайдир сенинг киндигинг.
Юмалоқ қорнинг эса нилуфарлар билан ўралган,
Тилларанг буғдой уюми кабидир.
4 Кўкракларинг эгизак кийиклардайдир.
5 Фил суягидан қурилган минорадай гўзалдир бўйнинг,
Батрабим дарвозаси ёнидаги
Хашбон* булоқларидай ёрқиндир кўзларинг.
Бурнинг эса Дамашқ шаҳрига қараган
Лубнон минорасидай текисдир.
6 Бошинг Кармил тоғидай* баланд туради,
Сочинг кимхобдай гўзал,
Ҳатто шоҳ ҳам унга асирдир.

7 Қандай гўзал ва хушрўйсан,
Ҳузурбахш севгилим менинг.
8 Пальма дарахтидай савлатлисан,
Кўкракларинг унинг меваларидай тўлиқдир.
9 Мен шундай дедим: “Пальма дарахтига чиқиб,
Меваларидан ушлайман.”
Кўкракларинг мен учун узумдай мазали,
Нафасинг эса олмалардай ширин бўлсин.
10 Ўпичларинг энг аъло шаробдай ширидир,
Бундай шароб лаб ва тишлар орасидан текис ўтади*.

Қиз:

11 Мен севгилимникиман,
У фақат мени қўмсайди.
12 Келгин, севгилим, далаларга борайлик.
Хина гуллари орасида* ётиб қолайлик.
13 Вақтли туриб, узумзорларга кирайлик.
Улар гулга кирдимикин?!

Токлару анорлар гуллаганмикин?!
Ўша ерда мен сенга ўз севгимни тўла кўрсатаман.
14 Меҳригиёлар* ҳид таратиб турибди.
Эшигимиз тепасига ҳар хил мевалардан осиб,
Сен учун сақлаб қўйдим, севгилим.

8–БОБ

Қиз:

1 Қанийди, онам эмизган акамдай бўлсанг эди.
Кўчада кўрганимда, сени ўпган бўлардим,
Ҳеч ким мени бу учун айбламаган бўларди.
2 Мен сени онамнинг уйига бошлаб келардим.
Менга ўгит берган онамнинг ётоғига олиб кирардим,
Сенга хушбўй шаробу анорларим шарбатини берардим.
3 Мана, севгилимнинг чап қўли бошим остидадир,
Ўнг қўли билан эса мени қучоқлайди!
4 Эй Қуддус қизлари, ваъда беринглар,
Вақт–соати келмагунча,
Севгини қўзғатманг, уйғотманг.

Олтинчи қўшиқ

Қуддус қизлари:

5 Ўз севгилиси билан қучоқлашиб,
Чўл тарафдан келаётган ким?

Қиз:

Олма дарахти остида мен сени уйғотдим.
Онанг шу ерда сенга ҳомиладор бўлган,
Мана шу ерда сени дунёга келтирган.
6 Қўлингдаги муҳр узугингдай,
Мени ҳам юрагингга муҳрлаб олгин.
Ахир, севги ўлимдай кучли,
Ишқ ажалдай* шиддатлидир.
Севгининг учқунлари олов учқунларидай,
Ловуллаган алангадайдир.
7 Сув севгини ўчиролмайди,
Тўфонлар уни чўктиролмайди.
Бирортаси севги учун
Уйидаги бор бойлигини берса ҳам,
Мазахдан бошқа ҳеч нарсага эришмайди.

Қизнинг акалари:

8 Бизнинг бир синглимиз бор,
Унинг кўкраклари ҳали бўртмаган.
Уни сўраб келишса,
Биз нима қиламиз?
9 Агар у девор бўлса,
Унинг атрофида кумушдан қалъа қурамиз.

Агар у эшик бўлса,
Уни садр ёғочлари билан тўсиб қўямиз.

Қиз:

[10] Мен ҳам девордай эдим.
Энди эса кўкракларим миноралардайдир.
Шунинг учун севгилим мени
Тўлиқ етилган деб билади.
[11] Сулаймоннинг Баал–Хомонда узумзори бор эди.
У узумзорини боғбонларга ишониб топширди.
Уларнинг ҳар бири узумзор учун
Минг кумуш танга* тўлаши керак эди.

Йигит:

[12] Сулаймон, сен минг танга ол,
Қоровулларга эса икки юз тангадан* берилсин.
Менинг узумзорим ўзимникидир.
[13] Эй боғларда яшовчи қиз,
Дўстларим овозингни эшитишни кутмоқда.
Қани, мен ҳам овозингни бир эшитай.

Қиз:

[14] Худди кийикдай, ёш оҳудай бўлгин,
Зираворлар тоғларига тезроқ келгин, севгилим.

ИЗОҲЛАР

жамоат — Исо Масиҳга имон келтирган одамлар назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЖАМОАТ сўзига қаранг.

1:1 *Қиз* — курсив билан ёзилган сарлавҳалар ибронийча асл нусхада йўқ. Бу сарлавҳалар ўқувчига ёрдам сифатида ким гапираётганини билдириш учун мазкур таржимага киритилган. Асл нусха матнининг баъзи жойларида ким гапираётганини билдирадиган грамматик белгилар бор. Аммо ким гапираётгани матнда ҳар доим ҳам аниқ эмас.

1:4 *Кедар* — Арабистон саҳросидаги ерлар.

1:5 *ўз узумзорим* — кўчма маънодаги ибора бўлиб, қиз ўз қиёфасига ишора қиляпти.

1:6 *Уятсиз* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *юзи тўсилган*. Қадимги Исроилда фоҳишалар ўзларини танитмаслик учун, юзларини ёпиб юрганлар (Ибтидо 38:14-15 га қаранг). Қиз ахлоқи бузуқ аёлга ўхшаб қолмаслиги учун, йигитни чўпонлар орасидан қидирмоқчи эмас.

1:12 *мирра* — маълум бир дарахтларнинг қотган елимидан тайёрланган хушбўй модда.

1:13 *Эн–Геди* — Ўлик денгизнинг ғарбий қирғоғидаги бир воҳа.

2:1 *Шарон* — Ўрта ер денгизи бўйидаги унумдор текислик.

2:1 *атиргул* — ёки *заъфарон гули*.

2:7 *Кийигу ёввойи оҳулар* — кўчма маънодаги ибора бўлиб, романтик севгига ёки кучли йигитларга ишора қилаётган бўлиши мумкин.

2:15 *Кичкина тулкилар* — кўчма маънодаги ибора бўлиб, қиз ва йигитнинг севгисига қаршилик кўрсатадиган ёки улар никоҳдан ўтмагунларича муносабатларини давом эттиришга тўсқинлик қиладиган муаммоларга ишора қилаётган бўлиши мумкин.

3:5 *Кийигу ёввойи оҳулар* — 2:7 изоҳига қаранг.

3:6 *Мирра* — 1:12 изоҳига қаранг.

3:7 *тахтиравон* — шоҳ, малика ва олий мартабали кишиларни ўтқазиб, елкада кўтариб олиб юриш учун узун дасталар устига ўрнатилган ҳашамдор ўриндиқ.

3:10 *кимхоб* — ўриши ипак, арқоғи зардан тўқилган мато.

4:6 *мирра* — 1:12 изоҳига қаранг.

4:8 *Эмона…Санир…Хермон тоғлари…* — Лубнон тоғларидан шарқдаги тоғ тизмаларида жойлашган. Санир тоғи Хермон тоғининг қадимги номи эди (Қонунлар 3:9 га қаранг).

5:1 *Мирра* — 1:12 изоҳига қаранг.

5:6 *У кетганига юрак–бағрим эзилди* — ёки *Унинг овозини эшитишга ҳам зор бўлдим*.

6:4 *…Тирза шаҳри…Қуддус шаҳри…* — бу шаҳарлар ўз чиройи билан машҳур эди (Забур 49:2 га қаранг). Кейинчалик Тирза шаҳри Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг биринчи пойтахти бўлди (3 Шоҳлар 15:33, 16:8, 15, 23 га қаранг).

7:1 *Шуламлик* — Шулам номаълум бир жой ёки *комил* маъносини билдирадиган

бир сўз ҳам бўлиши мумкин.

7:5 *Хашбон* — Амор шоҳи Сихўн ҳукмронлиги даврида бу шаҳар пойтахт бўлган (Саҳрода 21:26 га қаранг). Бу шаҳар Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди. Булоқлар кўплигидан у ерда сув доим мўл–кўл эди.

7:6 *Кармил тоғи* — Исроилдаги энг баланд тоғлардан бири. Бу тоғ унумдорлиги ва гўзал табиати билан машҳур эди.

7:10 *...лаб ва тишлар орасидан текис ўтади* — қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *...ухлаётганларнинг лаблари устидан майингина ўтади*.

7:12 *Хина гуллари орасида...* — ёки *Қишлоқлар орасида....*

7:14 *Меҳригиёлар* — қадимда одамлар, бу ўсимликнинг мевалари жинсий хоҳишни кучайтириб, аёлнинг ҳомиладор бўлишига имконият яратади, деб ишонишарди.

8:6 *ажал* — ибронийча матнда *Шеўл*, ўликлар диёри. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

8:11 *Минг кумуш танга* — ибронийча матнда *Минг шақал кумуш*, тахминан 11 килога тўғри келади (шу бобнинг 12–оятида ҳам бор).

8:12 *икки юз танга* — ибронийча матнда *икки юз шақал*, тахминан 2,3 килога тўғри келади.

ИШАЁ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Ишаё пайғамбар тахминан қирқ йил давомида фаолият кўрсатган. Мана шу даврда Яҳудо шоҳларидан тўрттаси бирин–кетин ҳукмронлик қилган эди (1:1 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг). Ишаё Қуддусда яшаб, Худонинг каломини Яҳудога, яъни жанубий шоҳликка етказганди. У яшаган даврда Исроил, яъни шимолий шоҳлик қулади, аҳолиси эса Оссурияга асирликка олиб кетилди. Хўшея ва Михо пайғамбарлар Ишаё пайғамбарнинг замондошлари эди.

Мазкур китобни уч қисмга бўлиш мумкин. Китобнинг биринчи қисмида (1-35–боблар) Ишаё пайғамбар Яҳудо халқининг гуноҳларини фош қилади. Юртдаги бузғунчилик ва ҳукм сурган адолатсизликларни тилга олади. Яҳудо халқининг гуноҳлари Худонинг ғазабини келтиради. Китобнинг бу қисмида муаллиф Худонинг муқаддаслигига алоҳида урғу беради, Уни бутун олам Шоҳи, чексиз қудрат Соҳиби сифатида тасвирлайди.

Китобнинг иккинчи қисмида (36-39–боблар) тарихда юз берган ҳодисалар, чунончи, Оссуриянинг Яҳудо юртига бостириб келгани ва Қуддусни қамал қилгани ҳақида баён қилинади. Ўшанда Оссурия муваффақиятга эришмаган эди. Лекин Ишаё пайғамбар халқни огоҳлантириб, Бобил шоҳлигининг кучайиши ва келажакда Яҳудо юртини босиб олиши ҳақида башорат қилади.

Китобнинг учинчи қисми (40-66–боблар) узоқ келажакка оид башоратлардан иборат бўлиб, халққа умид бағишлайди. Бобил шоҳлиги Яҳудо юртини вайрон қилиб, халқини асирликка олиб кетгандан кейин, Худо Ўзи белгилаган вақтда уларни ўз юртига қайтариб олиб келади. Уларни юпатиб, рўшноликка олиб чиқади. Мазкур бобларнинг моҳияти шундан иборатки, Худо дунёда юз бераётган ҳодисаларни бошқаради, У нафақат Ўз халқига, балки бошқа миллатларга ҳам яхшиликни раво кўради. Худо дунёдаги барча халқларга Яҳудо халқи туфайли барака улашади.

1–БОБ

1 Омиз ўғли Ишаёнинг Яҳудо* ҳамда Қуддусга оид башорати. Бу даврларда Яҳудода Уззиё, Йўтом, Охоз ва Ҳизқиё каби шоҳлар ҳукмронлик қиларди*.

Худо Ўз халқига таъна қилади

2 Эшитинг, эй самолар, тингла, эй замин,
Шудир Эгамизнинг каломи:
“Бино қилдим болаларни*, улғайтирдим уларни,
Аммо улар исён қилдилар Менга.
3 Ҳўкиз билади ўз эгасини,
Ҳатто эшак билар ким уни боқишини,
Аммо халқим Исроил билмайди,
Улар тушунмайди Мен, ўз Эгасини.”

4 Эҳ, гуноҳкор элат, айби муқаррар халқ,
Эҳ, қабиҳ насллар!

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Номуссизларча иш қилар бу болалар,
Эҳ, Эгамизни тарк этган улар,
Исроил халқининг Муқаддас Худосига
Шаккоклик қилган,
Эгамизга орқа ўгирган улар!

5 Эгам айтар: “Нега яна мунча калтак истайсиз?!
Не учун исённи давом эттирасиз?!
Яраланган бутун бош,
Мадордан кетган бутун юрак.
6 Бошдан–оёқ соғ жойи йўқ,
Йиринг ила қопланган, кўкариб кетган,
Яраларидан қон оқиб ётар,
Тозаланмаган, боғланмаган, мой суртилмаган*.
7 Вайроналар ичра ётар юртингиз,
Оловда ёниб кетган шаҳарларингиз!
Олдингизда ерингизни
Еб битирар келгиндилар,
Бегоналар юртингизни вайрон қилар*.
8 Аммо азиз Қуддус*
Қамал қилингандай бўлар,
У ўхшаб қолар
Узумзордаги ёлғиз чайлага,
Полизда тиккайган капага.”

9 Агарда Сарвари Олам
Қолдирмаганда эди беш–олтитамизни,
Садўм шаҳрининг ҳолига тушар эдик,
Ғамўра шаҳридай* хонавайрон бўлардик.

10 Эгамизнинг каломини эшитинг,
Садўм йўлбошчиларининг издошлари!
Худойимизнинг ўгитига қулоқ солинг,
Ғамўра халқининг шериклари!
11 “Нима кераги бор Менга?!
Кўплаб қурбонлигингиз?!
Тўйиб кетдим энди
Куйдирилган қўчқорлар назридан,
Бўрдоқи ёғларидан,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Менга хуш келмади буқаларнинг,
Қўзилар ва эчкиларнинг қони.
12 Ҳузуримда ҳозир бўлганингизда,
Муқаддас Ҳовлимни булғасин, деб ким айтди?
Буларни сизлардан ким сўради?!
13 Энди сохта назрлар қилманглар Менга,
Тутатқингиз ҳам Менга жирканчдир!
Тоқат қилмасман энди
Чорловларингизга, фосиқ йиғинингизга,
Янги ой шодиёнасию Шаббат кунингизга.

14 Нафратландим янги ой шодиёнангиздан
Ҳамда «муқаддас» кунларингиздан.
Булар Менга оғир юк бўлди,
Толиққанман буларни кўтаришдан.
15 Ҳатто кўп ибодат қилганингизда ҳам,
Эшитмасман Мен сизларни.
Менга очганингизда қўлларингизни,
Сизлардан яшираман Мен кўзларимни.
Қўлларингиз қонга ботгандир.
16 Покланг, тозаланг ўзингизни.
Кўз олдимдан йўқотинг
Қабиҳ қилмишларингизни.
Қабиҳликни энди бас қилинг!
17 Ўрганинг эзгулик қилишни,
Адолатни изланг,
Йўлга солинг золимни*,
Ҳимоя қилинг етимни,
Бева ҳақи учун курашинг.”

18 Эгамизнинг каломи шудир:
“Қани, энди биргалашиб ўйлайлик:
Гуноҳларингиз қизил рангга ўхшаса ҳам,
Сизлар қордай оппоқ бўласиз.
Гуноҳларингиз қирмизи рангга ўхшаса ҳам,
Сизлар момиқдай оппоқ бўласиз.
19 Агар Менга итоат этсангиз чин кўнгилдан,
Ейсиз, албатта заминнинг сара ҳосилидан.
20 Аммо рад этиб, Менга бўйсунмасангиз,
Қиличнинг дамига рўпара бўлгайсиз.”
Эгамизнинг Ўзи шундай деб айтди.

Қуддус халқининг садоқатсизлиги

21 Эй Қуддус! Қаерга ғойиб бўлди сенинг садоқатинг?!
Қандай қилиб фоҳишага сен айландинг?!
Ахир, олдинлари халқинг солиҳликка, адолатга ташна эди!
Энди эса шаҳрингда фақат қотиллар қолди!
22 Сенинг кумушинг тошқол* бўлди,
Шаробинг сув билан аралашди.
23 Ҳа, исёнкордир йўлбошчиларинг,
Ўғриларга шерикдир улар.
Ҳар бири порани севар,
Ҳадянинг ортидан қувар.
Етимни улар ҳимоя қилмас,
Беванинг арзи уларга етиб бормас.

24 Энди Исроил халқининг қудратли Худоси,
Сарвари Олам — Раббий айтади:
“Ҳа, душманларимга ғазабимни сочарман,
Ғанимларимдан ўч олиб, тасалли топарман.
25 Яна сизларга қарши қўл кўтараман.

Ишқор билан тозалагандай,
Жамики қоришмани йўқ қилиб,
Тошқолларни ажратаман.
26 Азалда бўлганидай
Одил ҳакаму маслаҳатчиларни бераман.
Шундан сўнг сенга ном қўйилар:
«Солиҳлик шаҳри, Садоқат шаҳри», дея.”

27 Шунда Қуддус адолат орқали қутқарилади,
Тавба қилганлар солиҳлик туфайли нажот топади.
28 Исёнкору гуноҳкорлар бирга қирилади,
Эгамиздан воз кечганлар ҳалок бўлади.

29 Сизлар шарманда бўласиз
Ўзингиз хуш кўрган эманлар сабабли.
Мана, уялиб қоласиз
Ўзингиз танлаган саждагоҳ боғлар* туфайли.
30 Ҳа, сизлар ўхшаб қоласиз
Япроғи қовжираган эманга,
Ҳамда сувсиз қақраган боққа.
31 Кучлилар ҳам чўпга ўхшаб қолади.
Ишлари лов этган оловга ўхшайди.
Ўзларию ишлари бирга ёниб кетади,
Ҳеч ким бу оловни ўчиролмайди.

2–БОБ

Абадий тинчлик

1 Омиз ўғли Ишаёга ваҳийда Яҳудо ва Қуддус ҳақида аён бўлган башорат.

2 Шундай кунлар келадики,
Эгамизнинг уйи турган тоғ
Тоғларнинг энг юксаги бўлиб, қарор топади.
Бу тоғ ҳаммасидан ҳам баланд бўлади,
Ҳамма халқлар у ерга дарёдай оқиб келади.
3 Кўплаб эллар келади,
Улар шундай деб айтади:
“Қани, юринглар!
Чиқайлик Эгамизнинг тоғига!*
Қани, юринглар!
Борайлик Ёқубнинг Худоси уйига!
Токи У бизга ўргатсин Ўзининг йўлларини,
Токи юрайлик бизлар Унинг сўқмоқларидан.”
Ахир, Эгамизнинг каломи келиб чиқар Қуддусдан,
Ҳа, Худонинг таълимоти келиб чиқар Сиондан.
4 Эгамиз ҳукм қилади халқларнинг орасида,
Ажрим қилади кўп миллатлар орасида.
Қиличларини айлантиришади омочга,
Найзаларини эса ток қайчиларига.
Қилич кўтармайди бир–бирига халқлар,

Ҳеч қачон жанг қилмайди улар.

Ишаёнинг Исроил халқига мурожаати

5 Эй Ёқуб насли! Келинглар, Эгамизнинг нурида юрайлик. 6 Эй Ёқуб хонадони!
Халқингизнинг йўлларини сиз тарк этдингиз!* Бу юрт шарқдан келган
башоратгўйларга*, Филистлар юртига* ўхшаб фолбинларга тўла. Улар бегона
халқлар билан ҳамтовоқ бўлдилар.

7 Қаранг, Ёқуб хонадони тўла кумуш, олтинга,
Чек–чегараси йўқ хазиналарининг,
Уларнинг юрти тўладир отларга,
Чек–чегараси йўқ жанг араваларининг.
8 Уларнинг юрти тўла беҳуда бутларга!
Улар таъзим этарлар
Қўлларининг ижодига,
Ўзлари ясаб, яратганларга.
9 Эвоҳ, мана инсон паст бўлди,
Шу тариқа одамзод тиз чўктирилди,
Уларнинг қаддини кўтарма, эй Эгам!

10 Эгамдан қўрқиб қочинглар,
Қоянинг ичига кириб олинглар,
Тупроқ остига яширининглар,
Эгамнинг улуғворлиги буюкдир!
11 Ҳа, инсоннинг мағрурлиги ерга урилади,
Одамзоднинг манманлиги йўқ қилинади,
Ёлғиз Худо ўша куни юксалади.

12 Зотан, Сарвари Оламнинг бир куни бор,
Қарши чиқар У жамики кибор, кеккайганларга.
Ўша мағрурларга қарши бўлар,
Уларнинг ҳар бирини ерга урар.
13 Қарши бўлар У барча юксак, мағрурларга!
Ҳа, ўша Лубнон садрларию
Башан* эманларининг ҳаммасига.
14 Қарши бўлар У ҳамма баланд тоғларга,
Ҳамма юксак тепаликларга.
15 Қарши бўлар У ҳар бир баланд минорага,
Ҳар бир мустаҳкам қалъага.
16 Қарши бўлар ўша машҳур Таршиш* кемаларию
Инсон яратган барча ажойиботларга.
17 Ҳа, ерга урилади ўша одамзод фахри,
Паст бўлади инсоннинг юксаклиги!
Ёлғиз Худо ўша куни юксалади!
18 Беҳуда бутлар тамомила йўқ бўлиб кетади.
19 Эгамиз, ерни ларзага солай, дея қўзғалганда,
Инсон Эгамиздан қўрққанидан
Кириб кетар қоялардаги ғорларга.
Унинг буюк улуғворлигидан
Яширинар ердаги чуқурларга.

20 Одам, ўзим сажда қилай, деб ясаган
Олтину кумуш бутларини
Берар ўша куни юмронқозиқ
Ҳамда кўршапалакларга.
21 Ҳа, Эгамиз, ерни ларзага солай, дея қўзғалганда,
Инсон Эгамиздан қўрққанидан
Қоялардаги ғорларга кириб кетар.
Унинг буюк улуғворлигидан
Чўққиларнинг ёриқларига яширинар.

22 Энди узоқда юринг
Тупроқдан яратилганлардан.
Борми уларнинг бирон қиймати?!

3–БОБ

Қуддусдаги бетартиблик

1 Сарвари Олам — Раббий энди Қуддус ва Яҳудо халқига ҳар турли таъминот ҳамда мадад бермай қўяди. Уларни нон ва сувдан бебаҳра қиляпти. 2 Жангчилар ва аскарлардан, ҳакамлар ва пайғамбарлардан, фолбинлар ва оқсоқоллардан маҳрум қиляпти. 3 Элликбоши ва амалдорлардан, маслаҳатчилардан, моҳир усталар ва “доно” афсунгарлардан жудо қиляпти.

4 Эгам айтар: “Болалар ҳукмрон бўлар бу халқ устидан,
Ақлсизлар ҳукмронлик қилар улар тепасидан.”

5 Халқ бир–бирига зулм қилади,
Ҳар ким дўстига душман бўлади.
Ҳақорат қилар ёш йигит оқсоқолни,
Шарманда одам эса обрўли одамни.

6 Одамлар ўз яқинини ушлаб олиб,
Ўша қариндошига шундай дейдилар:
“Устингда кийиминг бор экан,
Бизга бош бўла қол.
Мана бу вайроналар уюми
Сенинг қўл остингда бўлади.”
7 У эса ўша куни қасам ичиб айтар:
“Ахир, мен шифо бера олмайман,
Мени қилманг халққа бошлиқ,
Уйимда бор на нон, на кийим.”

Ҳукмнинг натижаси

8 Ҳа, Қуддус ҳам, Яҳудо ҳам қулади.
Халқининг тиллари, ишлари Эгамизга қаршидир.
Эгамнинг шуҳратини улар ерга булғади.
9 Юзлари гувоҳлик бериб турар,
Улар Садўм* каби гуноҳларини ошкор қилар.
Ҳа, гуноҳларини улар яширмас.
Эҳ, ўзлари бошларига келтирар кулфат!
Уларнинг ҳолига вой!

10 Солиҳларга эса яхшилик кўрасан, деб айтинг,
Улар ўз ишларининг самарасидан лаззат топади.
11 Аммо фосиқларнинг ҳолига вой! Бошларида кулфат,
Ахир, қилмишларига яраша қайтади ўзларига.

12 Ёш болалар эзади халқимни,
Аёллар ҳукмронлик қилади улар устидан.
Эй халқим, йўлбошчиларинг сени чалкаштиради,
Сўқмоқларингдан сени адаштиради.

Эгамизнинг даъвоси

13 Эгамиз Ўз даъвосини исбот қилмоққа киришаётир,
Ҳа, халқларни ҳукм қилмоққа У қўзғалаётир.
14 Ўз тахтига ўтириб Эгамиз
Ўз халқининг оқсоқолларию
Шаҳзодалари билан ҳукмга киришар:
“Сизлар Менинг узумзоримни* хароб қилгансиз.
Камбағалдан олган ўлжа билан тўла уйингиз.
15 Нимаси бу?! Халқимни эзаверасиз!
Камбағални исканжага олаверасиз!”
Сарвари Олам — Раббийнинг сўзидир бу.

Эгамиз Қуддус аёлларини огоҳлантиради

16 Эгам айтар: “Мағрурдир Қуддус* аёллари,
Бўйинларини ликиллатиб, кўзларини сузиб юрар,
Майда қадам ташлаб юриб,
Тўпиғидаги ҳалқаларни жиринглатар.”
17 Шу боис Раббий яра қилар
Қуддус аёлларининг бошларини,
Шарманда қилар очиб уятли жойларини.
18 Ўша куни Раббий тортиб олар уларнинг
Гўзаллиги — тўпиғидаги безакларини,
Тиллақошларию зеб–зийнатларини,
19 Сирғалари, билагузук ва ҳарир рўмолларини,
Тортиб олар бошидаги тожини,
Билагузук, маржон, хушбўй мой, туморларини,
20 Муҳр узукларини, бурундаги сирғаларини,
21 Тортиб олар шоҳона либосини,
Нафис кўйлаклари, нимчалари, кармонларини,
22 Кўзгулари, зиғир либосларини,
Тиллақошларию ҳарир рўмолларини.
23 Хушбўй ҳид ўрнига улардан сассиқ ҳид келади,
Камарлар ўрнига арқон боғлаб юради,
Турмакланган соч ўрнига кал бош бўлади,
Башанг кийим ўрнига қанор кияди,
Ҳа, гўзаллик ўрнига асирлик тамғаси бўлади.
24 Мана, йигитлари қиличдан йиқилиб қолади,
Ботир эркаклари жангда қирилиб кетади.
25 Қуддус дарвозалари йиғлаб, аза тутади.
Сион бўм–бўш бўлиб, ерда ўтирибди.

4–БОБ

1 Ўша куни етти аёл бир эркакни тутиб олиб, шундай дейди:
“Ўз нонимизни еймиз,
Ўз кийимимизни киямиз.
Шармандалигимиздан бизни қутқаринг,
Бизни сизники деб билишса бўлди.”

2 Ўша куни Исроилдаги омон қолганларга
Юртнинг ҳосили ифтихор, улуғворлик бўлади.
Ҳа, Эгамнинг новдаси кўркам, улуғвор бўлади.
3 Қуддусда омон қолганлар,
Ўша Сион шаҳрида қолганлар
“Муқаддас” деб аталади.
Улар Қуддусда ҳаёт китобига ёзилган.
4 Адолат руҳи, оташ руҳи ила
Раббий ювиб ташлайди
Қуддус халқининг ҳаром–харишини,
Поклайди Сионнинг қон доғларини.
5 Жамоа узра кундузи булутни,
Тунлари тутунни, ёруғ алангани*
Эгам барпо қилади бутун Сион тоғида*.
Ҳа, ўша ҳашаматли шаҳар узра
Эгам Ўзи соябон бўлади.
6 У соя, кўланка бўлади кундузи иссиқдан,
Паноҳ, бошпана бўлади бўрону ёмғирдан.

5–БОБ

Узумзор қўшиғи

1 Қўшиқ айтай суюклигимга,
Айтай муҳаббат қўшиғимни
Унинг узумзори ҳақида.
Суйганимнинг узумзори бор эди
Тупроғи унумли тепаликда.
2 Ерни ағдариб, тошлардан тозалади,
Ўтқазди энг сара узум токини,
Қоровул минорасини ўртага қурди.
Узум сиқиш чуқурини* тайёрлади,
Узумларнинг пишишини У кутди,
Аммо ҳосил итузум бўлди.

3 Энди, эй Қуддус аҳли, Яҳудо халқи,
Ҳакам бўлинг Мен билан узумзорим ўртасида.
4 Яна нима қилишим керак эди узумзор учун?
Унга қилмаганим яна не қолди?!
Узумларнинг пишишини кутганимда,
Нега ҳосил итузум бўлди?!

5 Энди Мен сизларга айтаман

Нима қилишимни узумзоримни.
Четан деворини олиб ташлайман,
Ҳамма бор нарсаси еб битирилсин.
Унинг деворини бузиб ташлайман,
Узумзорим пайҳон қилинсин.
6 Мен уни харобазор қиламан,
Энди токларим буталмайди,
Ери ҳеч юмшатилмайди.
Тиканлар, чангалзор билан қоплансин,
Булутларга ҳам амр бераман,
Узумзоримга ёмғир ёғдирмасин.

7 Саррвари Оламнинг узумзори — Исроил халқи,
Эгамнинг хуш кўрган кўчати — Яҳудо одамлари.
Улардан тўғрилик кутганди, қотиллик кўрди,
Улардан адолат кутганди, фарёд эшитди.

Ишаё адолатсизликни қоралайди

8 Эй кўплаб уй сотиб оладиганлар!
Ҳолингизга вой!
Эй даласига яна дала қўшиб оладиганлар!
Ҳолингизга вой,
Ҳа, бошқаларга жой қолдирмайсиз,
Энди бу юртда ёлғиз ўзингиз қолиб кетасиз.

9 Саррвари Оламнинг сўзи аён бўлди менга:
“Кўплаб уйлар, шубҳасиз, хароб бўлади,
Катта, чиройли уйлар кимсасиз қолади.
10 Йигирма таноб* узумзор икки кўза* шароб беради,
Ўн сават* уруғ аранг бир сават* ҳосил беради.”

11 Ҳолингизга вой, эй эрта тонгда туриб,
Ўткир ичимлик ортидан қувадиганлар!
Ҳолингизга вой, эй тунда алламаҳалгача
Шароб ичиб қизийдиганлар!
12 Зиёфатларингизда лира, арфа,
Чилдирма, най чалинар, шароб ичилар!
Бироқ Эгамнинг ишларини англамайсизлар,
Унинг қўллари ижодини кўрмайсизлар!
13 Шу боис, халқим Мени билмагани туфайли сургунга кетди.
Амалдорлари очликдан ўлиб кетди,
Кўплари ташналикдан ўртаниб ёнди.
14 Ҳа, беҳад очилиб кетди
Ўликлар диёрининг* иштаҳаси,
Чексиз очилиб кетди унинг оғзи,
Тушиб кетди у ерга Қуддуснинг обрўси,
Ўликлар диёрига кетди кўп одами,
Шовқин–сурони, юксалгани ҳам.
15 Шундай қилиб, инсон шарманда бўлди,
Одамзод тиз чўктирилди,

Киборларнинг кўзлари ерга қаради.
16 Бироқ Сарвари Олам адолати ила юксалади.
Мана, Муқаддас Худо одиллиги ила
Муқаддаслигини кўрсатди.
17 Қўзилар ўтлайди энди ўзларининг
Яйловида ўтлагандай,
Сарсон бўлиб юрган бўрдоқилар
Еб тўяди вайроналарда*.

18 Ҳолингизга вой! Эй ёлғонни арқон қилиб
Айбларини тортиб келадиганлар!
Эй араванинг арқони билан
Гуноҳларини судраб келадиганлар!
19 Сизлар айтасиз: “Қани, тез бўлсин,
Қиладиганини дарров қилсин,
Токи биз буни кўрайлик.
Исроил халқининг Муқаддас Худосининг мақсади
Зудлик билан амалга ошсин,
Токи биз буни билиб олайлик.”

20 Ҳолингизга вой, эй ёмонни яхши,
Яхшини ёмон деб айтадиганлар,
Зулматни нур билан,
Нурни эса зулмат билан алмаштирадиганлар!
Эй аччиқни ширин,
Ширинни аччиқ дейдиганлар!

21 Ҳолингизга вой, эй ўзини доно деб билганлар,
Ўзларини идрокли деб ҳисоблаганлар!

22 Ҳолингизга вой, эй шароб ичишда
Қаҳрамон бўлганлар,
Ичкиликни аралаш–қуралаш ичишда
Баҳодирлик кўрсатганлар.
23 Пора эвазига айбдорни ҳақ деб топганлар,
Солиҳларнинг тўғрилигини инкор қилади улар!
24 Шу боис аланганинг тили сомонни ютгандай,
Уларнинг илдизи чириб кетади,
Қуруқ хашак оловда куйиб битгандай,
Уларнинг ғунчаси чангдай учиб кетади.
Сарвари Оламнинг таълимотини улар рад қилди,
Исроил халқининг Муқаддас Худосининг сўзидан нафратланди.
25 Ҳа, Эгамнинг ғазаби Ўз халқига қарши алангаланди,
У халққа қарши қўл кўтариб, уларни урди.
Шунда тоғлар ларзага келди,
Кўчаларда жасадлар ахлат бўлди.
Шунда ҳам Эгам ғазабидан тушмади,
Унинг қўли ҳамон
Исроилга қарши кўтарилганча турарди.

Худо, Исроилга ҳужум қилсин деб, бегона халқларни олиб келади

26 Узоқдаги халқларга* Эгам белги беради,
Ернинг четидаги халқларга ишора юборади.
Ана, улар келаётир бу ерга тез, шиддат ила!
27 Улар на чарчайди, на йиқилади,
На мудрайди, ё на ухлайди,
На камари бўшалади,
На чориғининг иплари узилади.
28 Уларнинг ўқлари ўткирланган,
Ҳамма ёйлари тортиб боғланган,
Отларининг туёқлари чақмоқтошга ўхшар,
Араваларининг ғилдираклари қуюн кабидир.
29 Улар шерга ўхшаб бўкиради,
Йиртқич шер каби ўкиради,
Ўкириб, ўлжасини ушлайди, олиб кетади,
Ҳеч ким уни қутқариб ололмайди.
30 Ўша куни гувиллаган денгизга ўхшаб
Юрт узра ўкириш эшитилади.
Ана юртга қаранг!
Зулмат ва кулфат,
Булутлар туфайли нур хира бўлди.

6–БОБ

Худо Ишаёни пайғамбарликка чақиради

1 Шоҳ Уззиё вафот этган йили* мен юқорига юксалган Раббийнинг тахтда ўтирганини кўрдим. Унинг либоси этаклари Маъбадни тўлдирган эди. 2 Унинг тепасида серафлар* шай турарди, ҳар бирининг олтита қаноти бор эди. Улар икки қаноти ила юзларини тўсганди, икки қаноти ила оёқларини тўсганди, қолган икки қаноти билан учаётган эди. 3 Улар бир–бирига ҳайқиришарди:

"Муқаддасдир, муқаддасдир,
Муқаддасдир Сарвари Олам!
Унинг улуғворлиги
Бутун оламни тўлдирган!"

4 Уларнинг ҳайқирган овозлари Маъбадни пойдеворигача титратиб юборди, Маъбад тутун билан тўлиб борарди. 5 Мен шундай дедим: "Шўрим қурсин! Ўлдим энди! Ўз кўзларим билан ўша Шоҳни, Сарвари Оламни кўрдим. Ахир, мен оғзи нопок бир одамман, оғзи нопок халқ орасида яшайман!"

6 Серафлардан бири мен томон учди, қўлида кўмир чўғи бор эди. У ўша чўғни оташкурак билан қурбонгоҳ устидан олган эди. 7 Кўмир чўғини оғзимга теккизиб, шундай деди: "Қара, бу чўғ лабларингга тегди, энди айбларинг ювилди, гуноҳларингдан фориғ бўлдинг."

8 Шунда мен Раббийнинг овозини эшитдим: "Кимни юбораман? Биз учун ким боради?" Мен айтдим: "Мен шу ердаман, мана, юборгин мени." 9 У шундай деди:

"Бор, мана шу халққа айт:
«Хўп, тинглайверинглар, барибир, тушунмайсиз,
Қарайверинглар, барибир, англаб етмайсиз.»

10 Эй Ишаё, бу халққа гапир.
Сўзларинг уларнинг ақлини ўтмас қилади,
Гапларинг дастидан қулоқлари гаранг бўлади,
Уларнинг кўзлари юмилиб қолади.
Шунда кўрмай қолади кўзлари,
Эшитмай қолади қулоқлари,
Англамай қолади ақллари,
Улар Менга қайтмайдилар,
Улар шифо топмайдилар.”

11 Сўрадим: “Эй Раббий, қачонгача?” У айтди:

“Шаҳарлар вайрон бўлиб,
Кимсасиз қолгунларича,
Хонадонларда бирон жон қолмай,
Юрт тамом вайрон бўлгунча.
12 Охири, Мен, Эгангиз, ҳаммани узоққа жўнатаман,
Юртда эса кўплаб ташландиқ жойлар бўлади.
13 Халқнинг ўндан бири қолса ҳам
Ёндириб юборилади.
Аммо қайрағоч, эман дарахтлари кесилганда
Тўнкалари қолгани каби,
Ундан ҳам тўнка қолади.
Унинг тўнкаси Муқаддас уруғдир.”

7–БОБ

Шоҳ Охозга хабар берилади

1 Уззиёнинг набираси, Йўтомнинг ўғли Охоз* ҳукмронлиги даврида Орам шоҳи Ратан ва Исроил шоҳи Рамалиё ўғли Пеках Қуддусга келиб, саф тортдилар. Аммо уни босиб ололмадилар. 2 Довуд хонадонига*: “Орам лашкари Эфрайим* халқи билан иттифоқ тузибди” деган хабар етиб келди. Шоҳ Охоз ҳамда халқ шунчалик ваҳимага тушдиларки, ҳаммалари шамолда тебранган дарахтдай титрадилар.

3 Шунда Эгамиз Ишаёга деди: “Сен ўғлинг Шерёсуб* билан катта йўлга чиққин. У йўл кир ювувчининг даласи томон кетган. Юқори ҳовуз ариғининг охири бўлган ўша жойда Охозни кутиб олиб, 4 унга шундай деб айтинглар: «Ўзингни бос, тинчлан, қўрқма! Орам шоҳи Ратан ва Рамалиё ўғли ғазабга минган, аммо уларни деб қўрқувдан титрамагин. Иккови ҳам ёниб битаётган ғўладай. 5 Эфрайим ва Рамалиё ўғли билан бирга, Орам сенга қарши фитна қилиб, шундай деди:
6 ‘Яҳудога бостириб борамиз. Халқини ваҳимага солиб, қўлга оламиз. Сўнг Тўвал ўғлини* Яҳудо шоҳи қилиб тайинлаймиз.’ 7 Аммо Эгамиз Раббий айтмоқда:

Бу фитна амалга ошмас,
Бу ҳеч қачон юз бермас.
8 Орамнинг боши Дамашқдир,
Дамашқнинг боши Ратандир,
Олтмиш беш йилдан сўнг Эфрайим
Қирилиб битар, асло халқ бўлмас.
9 Эфрайимнинг боши Самариядир,
Самариянинг боши Рамалиё ўғлидир.

Агарда сўзимга ишонмасангиз,
Мустаҳкам тура олмайсиз.»”

Иммануил тўғрисида башорат

10 Эгамиз яна Ишаё орқали Охозга шундай деди:
11 — Айтганларимни амалга оширишимга ишонч ҳосил қилишинг учун, Мен, Эганг Худодан ўзингга бирор аломат сўра, ўша аломат ўликлар диёридан* чуқур ёки фалак тоқидан баланд бўлсин.
12 Шунда Охоз Ишаёга:
— Сўрамайман, Эгамни синамайман, — деди.
13 Шунда Ишаё деди:
— Эшитинг, эй Довуд хонадони! Одамларни бездирганингиз сизларга камлик қилгандай, Худойимни ҳам бездирасизларми?! 14 Энди Раббийнинг Ўзи сизларга аломат беради: ана, қиз* ҳомиладор, у ўғил туғади ва Унинг исмини Иммануил* қўяди. 15 Ўша бола ёмонни рад этиб, яхшини танлашни биладиган ёшга етганда қатиқ ва асал* ейди. 16 Ҳа, ўша вақт келмасдан олдин, сизларни ваҳимага солаётган иккала шоҳнинг ерлари ташландиқ бўлади. 17 Эгам сизнинг ва халқингизнинг, ота–боболарингизнинг хонадони бошига шундай кунларни соладики, Эфрайим Яҳудодан ажралиб чиққандан бери* бундай кунлар уларнинг бошига тушмаган: эвоҳ, Оссурия шоҳи келмоқда!
18 Ўша куни Эгам Миср дарёларининг юқори оқимидаги пашшаларга, Оссурия юртидаги ариларга ишора қилади. 19 Шундан кейин уларнинг ҳаммаси келиб, чуқур сойликларга, қояларнинг ёриқларига жойлашадилар. Ҳамма чакалакзорларга, ҳамма яйловларга ўрнашиб оладилар.
20 Ўша куни Раббий Оссурия шоҳини ишлатади. У Раббийнинг қўлида Фурот дарёсининг ортида ижарага олинган устара каби бўлади. Ҳа, соқолингизни бутунлай қириб ташлайди, бошу оёғингизда бирорта тук қолмайди*. 21 Ўша куни бир одам икки қўй ва бир ғунажинни тирик сақлаб қолади. 22 У одамда шунча кўп сут бўладики, у қатиқ ейди. Юртда қолганларнинг ҳаммаси қатиқ ва асал ейди.
23 Минг кумуш тангага* арзийдиган, токларга тўла бир узумзор бор. Ўша куни мана шу узумзор ҳам чакалакзору тиканзорларга айланади. 24 Шундан кейин одамлар у ерга камону ўқлари билан борадиган бўлади. 25 Бир замонлар ишлов берилган, экин экилган барча тепаликларга энди сизлар бормайсизлар. Ахир, чакалакзору тиканзорлардан қўрқасизлар–да. У ерларда моллар ўтлайди, у ерларни қўй–эчкилар топтайди.

8–БОБ

Ишаёнинг ўғли халқ учун аломат

1 Шунда Эгамиз менга айтди:
— Катта лавҳа олиб, унга: “Мохиршалолхошбозга* тегишли”, деб тушунарли қилиб ёз. 2 Мен руҳоний Уриё билан Ябаракиё ўғли Закариёни Ўзимга ишончли гувоҳлар қилиб тайинлайман.
3 Шундан кейин мен хотиним билан ётдим. У ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди. Шунда Эгамиз менга деди:
— Унинг исмини Мохиршалолхошбоз деб қўй. 4 Бола ҳали “ота”, “она” деб айтишни ўрганмасдан олдин, Оссурия шоҳи Дамашқнинг бойликларини ва Самариядан тортиб олган ўлжаларини олиб кетади.
5 Эгамиз яна менга гапириб:
6 — Бу халқ тинч оқадиган Шилўвах сувларидан* воз кечди, Ратан ва Рамалиё

ўғли Пекахдан кўнгиллари шод бўлди, — деди. 7 — Шунинг учун Мен, Раббий,
халқимга қарши Оссурия шоҳини ва унинг шонли лашкарини бошлаб
келмоқдаман. Улар Фурот дарёсининг баҳайбат тўлқинлари кабидир. Ҳамма
ирмоқлардан ошиб, ҳамма қирғоқлардан тошиб кетади. 8 Сел каби Яҳудони
босади, унинг бўғзига етиб келади.

Шунга қарамай, Худо биз биландир!*
У ёйилган қанотлари паноҳида юртимизни омон сақлайди!
9 Эй халқлар, сафарбар бўлаверинг, ҳалокатга йўлиқасиз!
Эй узоқ юртлардаги жамики эллар, эшитинг!
Жангга бел боғлайверинг, аммо ҳалокатга йўлиқасиз!
Ҳа, бел боғлайверинг, аммо ҳалок бўласиз!
10 Пухта режа қилаверинг, аммо режангиз пучга чиқади,
Сўз бераверинг, аммо амалга ошмайди,
Чунки Худо биз биландир!

11 Эгам қудрати билан мени Ўзига жалб қилиб, шундай кўрсатма берди:
— Бу халқнинг йўлидан борманглар. 12 Бу халқ исён деб айтадиган ҳамма
нарсани сизлар исён деб билманглар. Уларни қўрқувга соладиган нарсалардан
сизлар қўрқманглар, ваҳимага тушманглар. 13 Сизлар Мен, Сарвари Оламни
муқаддас деб иззат қилинглар. Фақат Мендан қўрқинг, фақатгина Мен сизни
ваҳимага солай. 14 Ўшанда Мен Ўзим сизларга паноҳ бўламан. Аммо Исроилнинг
иккала хонадони учун Мен қоқилтирадиган тош, тўсқинлик қиладиган қоя,
Қуддус аҳолиси учун тузоқ ва тўр бўламан. 15 Улардан кўплари қоқилади,
йиқилиб, бурда–бурда бўлади. Улар тузоққа тушиб, асир бўлади.
16 Эй шогирдларим, Эгам менга берган бу сўзларни авайлаб асранг.
17-18 Сарвари Олам Сион тоғида маскан қилган. У Ёқуб наслидан юзини яширяпти,
аммо мен Уни кутаман, умидим Ундадир. Мана, қаранг, Эгам берган
фарзандларим билан бирга мен шу ердаман! Исроилда биз белги ва аломатмиз*.
19 Халқлар сизларга: “Арвоҳ чақирувчиларга боринглар, ғалати товуш чиқариб,
тушунарсиз сўзларни пичирлаб айтадиган фолбинларга маслаҳат солинглар”, деб
айтсалар, сизлар ўз Худойингизга бормайсизми?! Ахир, тириклар ўликлардан
насиҳат излаб борадими?! 20 Арвоҳ чақирувчиларга боришни маслаҳат
берганларга рўшнолик бўлмайди. Сизлар уларга эмас, Худонинг йўл–йўриқлари
ва таълимотига маслаҳат солинг*. 21 Сизларни нотўғри йўлга бошлаган ўша
халқлар бу юрт бўйлаб ўтади, улар оч, изтиробда. Оч қолиб, ғазабланиб, шоҳини
ва худоларини лаънатлайди. Юқорига қарайди, 22 ерга қарайди. Ана, кулфат ва
зулмат, ғам ва офат. Улар йўқ бўлиб кетади.

9–БОБ

Ишаё бўлажак шоҳ ҳақида башорат қилади

1 Кулфат қамраган бу юртда энди азоб бўлмайди. Олдин Забулун ва Нафтали
юрти* шарманда бўлган эди. Аммо келажакда денгиз бўйидаги ерлар,
Иорданнинг нариги томонидаги ўлка* ва ғайрияҳудийлар Жалиласи* улуғланади.

2 Зулматда юрган халқ ёрқин зиёни кўрди,
Ўлим соя солган юрт аҳолиси устига нур сочилди.
3 Бу халқни Сен кўпайтиргансан,
Уларга кўп шодлик ато қилгансан.

Ҳосил вақтидаги мамнунлик каби,
Ўлжаларин бўлишиб олган пайтдаги каби,
Улар ҳузурингда қувончга тўлган.
4 Бу халқнинг оғир бўйинтуруғини,
Елкасидаги таёғини
Сен синдириб ташлагансан.
Золимларнинг калтагини
Мидиён халқи каби,
Мағлуб қилгансан*.
5 Жангда кийилган этиклар,
Қонга беланган ҳамма кийим
Оловга ташланиб, ёқилажак.

6 Мана биз учун бола туғилди,
Ўғил бизга берилди.
Ҳукмронлик Унинг зиммасидадир,
Номи Ажойиб Маслаҳатчи*, қудратли Худо,
Абадий Ота, Тинчлик Шаҳзодасидир.
7 Довуднинг тахтида
Унинг ҳукмронлиги ортиб боради.
Тинчлик то абад ҳукм суради.
Ҳозирдан бошлаб, то абад
У адолат ва ҳақиқат ила
Шоҳлигини мустаҳкамлаб, барқарор қилади.
Сарвари Олам жон куйдириб,
Буни бажо айлайди.

Худонинг Исроилга бўлган ғазаби

8 Ёқуб наслига қарши Раббий бир сўз юборди,
Унинг сўзи Исроил халқига етиб келди.
9 Эфрайимда*, Самарияда яшайдиганлар,
Жамики халқ бундан хабардор бўлди.
Улар димоғдорлик, киборлик ила айтмоқда:
10 “Ғиштин иморатлар вайрон бўлса,
Йўнилган тошлар билан қурамиз.
Шикамора–анжир дарахтлари* кесилган бўлса,
Уларнинг ўрнига садр дарахтларини* экамиз.”
11 Ана, Орам шоҳи Ратанга қарши
Эгам унинг душманларини қўзғатди,
Ғанимларини даъват қилди.
12 Шарқдан Орамлар, ғарбдан Филистлар
Оғизларин катта очиб, Исроилни ютиб юборди.

Аммо шундай бўлса ҳам,
Эгам тушмас ғазабидан,
Унинг қўли ҳамон
Исроилга қарши кўтарилган.

13 Бу халқ Сарвари Оламга юз бурмади,
Жазо берган Зотга улар қайтмади.

14 Шунда Эгам бир кунда
Исроилнинг бошини ва қуйруғини,
Хурмосини ва қамишини кесиб олди*.
15 Оқсоқоллар, амалдорлар бошдир,
Сохта пайғамбарлар қуйруқдир.
16 Улар бу халқни йўлдан адаштирган,
Уларга эргашганлар боши берк кўчага кириб қолган.
17 Ҳаммаси шаккок, қабиҳлик қилар,
Барча оғизлардан аҳмоқона сўз чиқар.
Раббий ёшлардан мамнун бўлмади,
Етим ва беваларга шафқат кўрсатмади.

Аммо шундай бўлса ҳам,
Эгам тушмас ғазабидан,
Унинг қўли ҳамон
Исроилга қарши кўтарилган.

18 Фосиқлик оловга ўхшаб ёнар,
Еб битирар бутазору тиканзорларни.
Ўрмондаги чангалзорларни ёндириб,
Баландларга тутунини ўрлатади.
19 Сарвари Оламнинг қаҳридан
Юрт ёниб битар,
Халқ оловга ёнилғи бўлар.
Одамлар ўз яқинига шафқат қилмас,
20 Улар ўнг тарафга ҳамла қиладилар,
Аммо оч қоладилар.
Ютаман деб чап томонга ҳужум қиладилар,
Аммо тўймайдилар.
Ўз қўлининг гўштини ейди инсонлар.
21 Манаше қабиласи ейди Эфрайим қабиласини,
Эфрайим эса Манашени,
Иккови бирлашиб Яҳудога* ҳужум қилади.

Аммо шундай бўлса ҳам,
Эгам тушмас ғазабидан,
Унинг қўли ҳамон
Исроилга қарши кўтарилган.

10–БОБ

1 Эй сиз, ёвуз фармонлар чиқарадиганлар,
Қонунлар ёзиб, жабр келтирадиганлар.
2 Камбағални адолатдан маҳрум қиляпсиз,
Мазлум халқимни талаяпсиз,
Овингиз бўлаётир бевалар,
Ўлжангиз бўлаётир етимлар.
3 Қиёмат куни келганда, сиз нима қиласиз?
Узоқдан бало келганда, нима қиласиз?
Ёрдам сўраб кимга қочиб борасиз?!

Бойлигингизни қаерга олиб кетасиз?!
4 Йўқ, асир бўлиб йиқилиб қоласиз,
Ё жасадлар тагида қолиб кетасиз.

Аммо шундай бўлса ҳам,
Эгам тушмас ғазабидан,
Унинг қўли ҳамон
Исроилга қарши кўтарилган.

Худо такаббур Оссурияни ҳукм қилади

5 Эгам айтар: “Мана Оссурия!* Ғазабимнинг ҳассаси!
Унинг қўлидадир қаҳримнинг таёғи!
6 Мен уни шаккок элга қарши юбораман,
Ғазабимни ўша халққа қарши сочаман,
Овлаб, ўлжа қил, деб унга амр қиламан.
Халқларни лойдай оёқ ости қилади у.
7 Аммо Оссурия Менинг қуролим эканини
Хаёлига ҳам келтирмас,
Булар ҳақида у ўйламас ҳам.
Унинг фикри–ёди:
Халқларни қириб ташлашдир,
Битта қўймай уларни йўқ қилишдир.
8 Оссурия шоҳи шундай ўйлайди:
«Лашкарбошиларим шоҳлар эмасми?!
9 Хално шаҳрини Кархамиш шаҳридай вайрон қилмадикми?!
Хомат ҳам Арпаддай* қулади–ку!
Самария Дамашқ* каби эмасми?!
10 Олганимдай беҳуда бутлар шоҳликларини,
Оламан Қуддусу Самариянинг санамларини.
11 Не қилган бўлсам Самария ва унинг санамларини,
Шундай қиламан Қуддусу унинг бутларини.»”

12 Аммо Раббий тузган режаларини Сион тоғида ва Қуддусда амалга оширгандан кейин, шундай дейди: “Энди такаббур, кибор Оссурия шоҳи билан ҳисоб–китоб қиламан. 13 Ахир, Оссурия шоҳи шундай деган эди:

«Ўз кучим билан буларни амалга оширдим,
Донолигим билан қилдим, ахир, идроклиман.
Халқларнинг чегарасини йўқ қилдим,
Уларнинг хазиналарини ўлжа қилиб олдим.
Қудратли шоҳларини тахтдан улоқтирдим.
14 Қуш инига қўл суқиб тухум йиққани каби,
Халқларнинг бойликларини тўпладим.
Ташлаб кетилган тухумларни қандай тўпласалар,
Жамики юртларни мен шундай йиғиб олдим.
Ё қанот қоққан, оғзин очган,
Ё овозин чиқарган биров бўлмади.»”

Ишаёнинг Оссурия шоҳига жавоби

15 Болта мақтанарми уни ишлатганга?!
Арра ўзини мақтайдими уни қўлга олганга?!

Калтак ушлаганни калтакнинг ўзи кўтарадими?!
Ҳасса ўзини ушлаганни кўтарадими?!
16 Эй Оссурия,
Шу боис Сарвари Олам — Раббий
Оғир хасталикни юборар паҳлавонларингиз орасига.
Касалликларининг қизғин палласида
Уларнинг баданларидан ўт чиқади,
Улар гўё лов–лов этиб ёнади.
17 Исроилнинг Нури ёлқин бўлади,
Исроил халқининг Муқаддас Худоси олов бўлади.
Олов ёндириб, тиканзору чангалзорларини
Бир кунда ямлаб ютади.
18 Оссуриянинг муҳташам ўрмонлари
Ва унумдор далалари
Оғир хасталикка йўлиққан инсондай,
Тамомила хароб бўлади.
19 Ўрмондаги дарахтлар шунчалик оз қоларки,
Ҳаттоки ёш бола ҳам уларни санай олади.

Худо Ўз халқини тинчлантиради

20 Ўша куни Исроилнинг қолган–қутгани,
Ёқуб наслининг қутулганлари
Бошқа суянмайди ўз зулмкорларига*,
Улар садоқат билан таянади
Исроил халқининг Муқаддас Худоси — Эгамга.
21 Ёқуб наслининг қутулганлари, омон қолганлари
Қайтади* қудратли Худога.
22 Эй Исроил, сенинг халқинг
Денгиз қумидай кўп бўлса ҳам,
Энди улардан фақатгина саноқли одамлар қайтади.
Зеро, “Қирғин бўлсин”, дея қарор қилинган,
Худо одил ҳукмини Ўз халқининг бошига солади.

23 Шубҳасиз, бутун ер юзида қиёмат бўлади, зотан, Сарвари Олам — Раббий шундай қарор қилган.

24-25 Шу боис Сарвари Олам — Раббий шундай айтмоқда: “Эй халқим, Қуддус* аҳли! Мисрликлар каби, Оссурияликлар сизларга таёқ кўтарадилар, сизларни қамчи билан урадилар. Аммо ҳадемай ғазабимни босаман, улардан қўрқманглар. Энди Оссурияликларга қаҳримни сочиб, уларни қираман. 26 Ҳа, Мидиёнларни Орив қоясида шундай қирган эдим*. Ҳассамни кўтариб, Миср лашкарини денгизда ғарқ қилдим*. Энди худди шундай қилиб, Мен, Сарвари Олам, уларга қарши қамчимни кўтараман. 27 Ўша куни Оссуриянинг юкини елкангиздан улоқтираман. Унинг бўйинтуруғи бўйнингиздан олиб ташланади. Ҳа, бўйинтуруқ йўқ қилинади, чунки сизлар кучга тўлдингиз*.”

28 Оссурия лашкари Ояз шаҳрига* келди,
Мигрон бўйлаб ўтди,
Қурол–аслаҳасини Михмашда шай қилди.
29 Улар Гебо сўқмоғини кесиб ўтдилар–у,
Рама халқи ваҳимага тушиб қолди,

Улар Шоулнинг шаҳри Гивода омонат тўхтади–ю,
Шаҳар аҳли қочиб кетди.
30 Фарёд қилинг, эй Галим аҳли!
Эшит, эй Лайшо!
Эй шўрлик Онотўт!
31 Мадменах аҳли қочиб кетди,
Гебим аҳли, паноҳ топай деб, учиб кетди.
32 Ўша куни Оссурия лашкари Нав шаҳрида туради.
Қуддус шаҳри жойлашган тепаликка —
Азиз Сион тоғига қараб муштини кўтаради.

33 Қара, Сарвари Олам — Раббий
Қудратли кучи ила дарахт шохларини кесиб ташлайди,
Баланд дарахтларни қирқиб ташлайди,
Юксалганларини ерга уради.
34 У болта билан кесиб ташлайди ўрмондаги чангалзорни,
Қудратли Худо қулатиб юборади Лубнон дарахтларини.

11–БОБ

Тинчликсевар шоҳлик ҳақида башорат

1 Эссайнинг* томиридан новда ўсиб чиқади,
Ҳа, унинг илдизидан кўчат ёйилади.
2 Унинг устида бўлади Эгамизнинг Руҳи.
Бу донолик ҳамда ақл–идрок,
Насиҳат ва куч–қудрат Руҳидир,
Эгамизни билиш ва Ундан қўрқиш Руҳидир.
3 Ўша Эссай фарзанди
Эгамиздан қўрқишдан завқ олар,
Ҳукм қилмас кўзлари кўргани ила,
Ажрим қилмас эшитганлари ила.
4 У адолат ила бечорани ҳукм қилади,
Тўғрилик ила ер юзи мазлумларини ажрим қилади.
Бир оғиз сўзи билан золимни жазолайди,
Нафаси ила фосиқни ўлдиради.
5 Адолат унинг белидаги камар бўлади,
Ҳаққоният унинг белидаги белбоғ бўлади.

6 Шунда бўри қўзи билан яшар,
Сиртлон билан улоқча бирга ётар,
Бузоқ, шер, бўрдоқи биргадир,
Ёш бола уларни етаклаб юрар.
7 Сигир билан айиқ бирга ўтлайди,
Болалари ҳам бирга ётади,
Шер ҳўкизга ўхшаб сомон ейди.
8 Гўдак қора илон уяси устида ўйнар,
Ёш бола қўлини илон инига суқар.
9 Муқаддас тоғимнинг* гир атрофида
Улар зарар келтирмас ё чақмас.
Ҳа, сувлар тўлдирганидай денгизни,

Ер юзи тўлиқ билиб олади Эгамизни.

10 Мана, Эссайнинг томиридан чиққан* шоҳ ўша куни халқлар учун баланд
кўтарилган байроқ каби бўлади. Элатлар маслаҳат сўрагани унинг ҳузурига
келади, Унинг маскани улуғворликка тўлади.
11 Ўша куни Раббий қўлини иккинчи марта узатади. У Ўз халқидан
қолганларини қутқаради. Уларни Оссуриядан, Мисрнинг шимолий ва жанубий
ҳудудларидан*, Ҳабашистондан* йиғиб келади. Эламдан*, Бобилдан*, Хоматдан*
ва денгиз соҳилларидан олиб келади.

12 Элатларга У белгисини кўрсатиб,
Исроилнинг қувилганларини тўплайди.
Ер юзининг тўрт бурчагидан йиғади
Яҳудонинг тарқалиб кетганларини.
13 Эфрайимнинг* ҳасадгўйлигини қирқади,
Яҳудонинг хусуматини тўхтатади,
Эфрайим Яҳудога ҳасад қилмас,
Яҳудо Эфрайимга хусумат қилмас.
14 Ғарбда улар Филистларга чангал солади,
Биргаликда Шарқ халқини талайди,
Эдом, Мўаб* уларга бўйин эгади,
Оммон халқи* тиз чўкади.
15 Эгамиз тамомила қириб юборар
Қизил денгизнинг қўлтиғини*.
Фурот дарёсига қарши қўл кўтаради.
Гармсел* келтириб, жизғанак қилиб,
Дарёни етти саёз ирмоққа бўлиб ташлайди,
Ирмоқлардан бир–бир ҳатлаб ўтса бўлади.
16 Ҳа, Исроил Мисрдан чиққанда,
Уларга йўл очилганидай
Эгамизнинг халқидан қолганларга
Оссуриядан катта йўл очилади.

12–БОБ

Шукрона қўшиғи

1 Ўша куни сен айтасан:
“Сенга шукур айтаман, эй Эгам,
Мендан ғазабланган эдинг,
Ғазабинг босилди, эй Эгам,
Менга Сен тасалли берасан!”
2 Сен яна айтасан: “Ҳа, Худо нажотимдир,
Қўрқмасман, У менинг умидимдир.
Эгамнинг Ўзи* менинг куч–қудратимдир*,
У менинг қутқарувчимдир.”

3 Шод бўлиб, нажот чашмасидан сув оласиз.
4 Ўша куни айтасиз:
“Шукроналар айтайлик Эгамизга.
Сажда қилайлик Унга!

Қилган буюк ишларини
Халқлар орасида овоза қилайлик,
Номи юксалганини ёдга солайлик!”

5 Ҳамдлар айтинг Эгамизга!
Бутун ер юзида бўлган овоза
Унинг қилган ажойиб ишлари!
6 Хитоб қилинг, ҳайқиринг шодликдан, эй Қуддус* аҳли,
Буюкдир орангиздаги Исроил халқининг Муқаддас Худоси.

13–БОБ

Худо Бобилни жазолайди

1 Омиз ўғли Ишаёга ваҳийда Бобил тўғрисида аён бўлган башорат.

2 Яланг тепалик узра байроқ кўтаринг,
Бобилга қарши жангчиларни сафарбар қилинг.
Ҳаммасини жангга даъват этинг,
Улар аслзодалар дарвозаларини ишғол қилсин.
3 Эгам айтар: “Мен Ўзим танлаганларга амр бериб,
Қаҳримни кўрсатсин деб, жангчиларимни йиғдим,
Ғалабамдан севинадиганларни тўпладим.”

4 Қирлардаги оломоннинг товуши
Ўхшайди буюк халқнинг овозига.
Ана, шоҳликларнинг шовқин–сурони!
Элатлар йиғилмоқда.
Жанг қилмоққа лашкарини
Сарвари Олам тайёрламоқда.
5 Келаётир улар узоқ ерлардан,
Ҳа, осмон гумбазининг бир бурчидан.
Эгам ва Унинг ғазаб қуроллари
Вайрон қилади бутун ер юзини.

6 Фарёд қил, Эгамизнинг куни* яқин!
Ҳа, Қодир Худо кулфат юборади!
7 Ҳамма қўллардан дармон кетади,
Ҳар бир инсон ваҳимага тушади.
8 Улар даҳшатга тушарлар,
Дарду изтироб уларни чулғар,
Тўлғоқ тутган аёлдай букчайиб қолар.
Бир–бирига қўрқув ичра қарар,
Уларнинг юзлари ловуллаб ёнар.

9 Мана, келаётир Эгамизнинг куни!
Аланга олаётир ғазабу қаҳр, даҳшат.
Вайронага айлантирар ер юзини,
Ер юзидан қириб ташлар гуноҳкорларни.
10 Ҳа, самодаги юлдузлар, буржлар
Таратмайди ўз ёруғлигини.

Қуёш чиқса ҳам, зулмат бўлади,
Ой ўз нурини сочмайди.

11 Эгам айтар:
“Олам билан ҳисоб–китоб қиламан қабиҳлиги учун,
Фосиқлар билан уларнинг гуноҳи учун,
Манманларнинг киборлигига чек қўяман,
Такаббурларни димоғдорлиги учун ерга ураман.
12 Инсонни камёб қиларман соф олтиндан ҳам,
Одамни Офир олтинидан ҳам.
13 Ғазабим алангаланган кун
Самони титратиб юборарман.
Мен, Сарвари Оламнинг ғазабидан
Замин қўзғалади ўз ўрнидан.

14 Шунда инсон овдаги жайрондай бўлар,
Чўпонсиз қолган сурувдай бўлар,
Ҳар бири ўз халқига қайтиб кетади,
Ҳар бири ўз юртига қочиб боради.
15 Топилганларнинг ҳар бири найзага илинади,
Қўлга тушган ҳар ким қиличдан ўтказилади.
16 Ўзларининг кўз ўнгида
Чақалоқлари тилка–пора бўлади.
Уйлари талон–тарож бўлади,
Хотинларига тажовуз қилинади.

17 Мана, Мидияликларни* уларга қарши қўяман,
Мидияликларга кумушнинг ҳеч кераги йўқ,
Улар олтинни ҳам истамаслар.
18 Уларнинг ўқлари ёшларни қиради,
Шафқат кўрсатмайди улар болаларга,
Раҳм қилмайди она қорнидагиларга.
19 Бобил шаҳри шоҳликларнинг гўзали,
Бобилдир — Бобилликларнинг* улуғвор дурдонаси.
Аммо Мен, Худо, ер билан яксон қиламан
Худди Садўм, Ғамўра* каби уни.
20 Энди у ерда ҳеч ким яшамас,
То абад ҳеч ким уни маскан қилмас.
У ерда ҳатто чодир қурилмас,
Чўпонлар сурувларини ўтлатмас.
21 Аммо ёввойи ҳайвонлар бу ерда ётар,
Уйлар йиртқичлар билан тўлар,
У ерда бойқушлар жойлашар,
Эчкилар у ерда шаталоқ отар.
22 Увиллашар сиртлонлар қалъаларда,
Чиябўрилар гўзал саройларда.

Ўша вақт яқин орада келади,
Ўша кун келмасдан қолмайди.”

14–БОБ

Исроил халқи сургундан қайтади

1 Аммо Ёқуб наслига Эгам шафқат қилади,
У яна Исроил халқини танлаб олади.
Ёқуб наслига ўз ерида ором беради,
Бирлашади мусофирлар улар билан,
Қўшилади Ёқуб хонадони билан.
2 Халқлар ўз юртларига Исроилни бошлаб боради,
Улар Исроил халқининг мулки бўлади.
Исроил Эгамнинг ерида халқларни қул, чўри қилади.
Ўзини асир қилганларни Исроил халқи асир қилади,
Золимлар устидан у ҳукмронлик қилади.

Бобил шоҳи мазах бўлади

3 Эгам сизни қайғу, дард–аламдан қутқарганда, сизга азоб берган оғир ишдан халос қилганда, 4 Бобил шоҳини масхаралаб бу сўзларни айтасиз:

“Мана, золимнинг куни битди–я!
Зўравон* тамом бўлди–я!
5 Эгам синдирди фосиқларнинг таёғини,
Ҳукмдорларнинг ҳассасини!
6 Бу ҳасса халқларни роса урарди,
Тўхтовсиз калтакларди,
Халқларга ғазаб ила ҳукмронлик қиларди,
Шафқат қилмай таъқиб қиларди.
7 Жамики замин тинч, осуда,
Улар севинч ила қўшиқ айтмоқда.
8 Ҳатто сарв дарахтлари ҳалокатингдан мамнун,
Лубнон садрлари ҳам айтар:
«Энди сен чуқурда ётибсан,
Ҳеч ким бизни кесгани келмас.»

9 Ўликлар диёри* жонланиб қолди:
Ана, келди, кутиб олайлик, дея.
Қара, уйғонди сени деб
Ер юзи йўлбошчиларининг руҳлари.
Тахтларидан оёққа қалқиди
Жамики халқларнинг шоҳлари.
10 Эй Бобил шоҳи!
Ҳаммалари сенга қараб айтади:
«Ҳатто сен ҳам биздай ночор бўлдинг–а,
Бизнинг кунимиз тушди сенинг бошингга.»
11 Улуғворлигинг, кайфу сафолар товуши
Улоқтирилди ўликлар диёрига!
Остингдаги қуртлар кўрпачангдир,
Чувалчанглар сенинг тўшагингдир.

12 Қандай қилиб тушиб кетдинг самодан,
Эй Зуҳра юлдуз, Тонг ўғли?!

Халқларни ерга улоқтирган эдинг!
Ерга қулаб тушдинг–ку ўзинг!
13 Ҳа, ўзингча айтган эдинг:
«Мен чиқиб бораман самоларга,
Тахтимни кўтараман
Худонинг юлдузлари тепасига.
Ўтираман худолар йиғиладиган тоғда,
Шимолнинг энг чеккасида.
14 Булутлар тепасига чиқиб бораман,
Худойи Таолодай бўламан.»
15 Аммо сен улоқтирилгансан ўликлар диёрига,
Чуқурликнинг туб–тубига.
16 Кўрганлар сенга тикилиб қолади,
Кўнгилларида шундай ўй кечади:
«Ўша одамми бу заминни титратган,
Шоҳликларни ларзага солган?!
17 Шуми оламни саҳрога айлантирган?!
Шаҳарларни ер билан яксон қилган,
Асирларни қўйиб юбормаган?!»
18 Халқларнинг шоҳи бўлганларнинг ҳаммаси
Муҳташам қабрларида ётибди.
19 Аммо сен улоқтирилгансан
Жирканч чирик новдадай қабрингдан.
Тош чуқурга тушадиган жасадлар,
Қиличдан қулаган жасадлар
Бўлар сенинг кафанинг.
20 Ахир, ўз юртингни вайрон қилгансан,
Халқингни ўзинг ўлдиргансан.
Энди улар қатори дафн қилинмассан.
Эй фосиқ, сенинг наслинг
То абад тилга олинмас!

21 Отасининг* гуноҳлари учун
Ўғилларини жаллодга топширинг.
Улар асло кўтарилмас.
Энди ерга эгалик қилмас,
Ер юзида шаҳарлар барпо қилмас.”

Худо Бобилни вайрон қилади

22 Қуйидагилар Сарвари Оламнинг сўзидир. “Мен Бобилга қарши қўзғаламан. Бобилдагиларнинг номини ҳам, қолган–қутганини ҳам, уруғ–аймоғини ҳам йўқ қиламан”, — деб айтмоқда Эгамиз. 23 “Мен Бобилни типратиканларга мулк қилиб бераман. Уни ботқоққа айлантираман. Харобазор қилиб, супуриб ташлайман”, — деб айтмоқда Сарвари Олам.

Худо Оссурияни вайрон қилади

24 Сарвари Олам онт ичиб айтди:

“Ҳа, Менинг белгилаганим бажо бўлади,
Менинг режалаштирганим амалга ошади.
25 Оссурия халқини Ўз еримда яксон этаман,

Тоғларимда уни оёқ ости қиламан.
Унинг бўйинтуруғи юртимдан олинади,
Юки Исроилнинг елкаларидан улоқтирилади.
26 Бутун олам учун шу режани туздим,
Бутун халқларга қарши қўлимни кўтардим.”

27 Саrвари Олам режа қилган!
Қани, буни ким бекор қила олади?!
У халқларга қарши қўл кўтарди!
Қани, Уни ким тўхтата олади?!

Худо Филистларни хонавайрон қилади

28 Шоҳ Охоз вафот этган йили* бу башорат аён қилинди:

29 “Бизни урган таёқ* синди”, деб
Севинмангиз, эй Филистлар!
Ахир, илоннинг тухумидан қора илон чиқади!
Унинг боласи ваҳимали аждар бўлади!
30 Мана, қашшоқларнинг тўнғичи тўйяпти,
Муҳтожлар эсон–омон ётибди.
Аммо сизнинг илдизингизни очликдан қуритаман,
Қолган–қутганларингиз эса қирилиб кетасиз.
31 Эй Филистлар, ҳаммангиз
Азадан адойи тамом бўласиз.
Фарёд қил, эй дарвоза! Йиғла, эй шаҳар!*
Шимолдан* уруш ҳиди чиқаётир,
Ўша лашкар сафдан чиқмай келаётир.

32 Халқларнинг элчиларига қандай жавоб берилар?
“Эгамиз Қуддусни* барқарор қилди.
Ўз халқи орасида муҳтож бўлганлар
У ерда паноҳ топади”, жавоби шудир.

15–БОБ

Худо Мўабни вайрон қилади

1 Мўаб* ҳақида башорат:

Вайрона бўлди тунда,
Мўабдаги Ор шаҳри нидосиз ётар.
Вайрона бўлди тунда,
Мўабдаги Хир шаҳри* нидосиз ётар.
2 Мўаб халқи ўз худосининг уйига чиқди фарёд қилгани,
Ҳа, Дибонликлар саждагоҳига чиқди нола қилгани.
Ҳар бирининг сочлари қирилган,
Ҳар бирининг соқоли олинган,
Наво ва Мидаво шаҳарлари учун Мўаб нола чекар.
3 Кўчаларда халқ қаноргa ўранган*.
Томларда, хиёбонларда фарёд қилиб,
Ҳаммаси кўз ёшларини тўкар.
4 Хашбон, Элалей аҳли фарёд чекар,

Уларнинг овози Яхазгача эшитилар.
Мўабнинг қуролланганлари фарёд этар,
Улар қўрқувдан қалтирар.

5 Юрагим Мўаб учун фарёд қилади,
Қочоқлар қочиб борар Зўварга,
Эглат–Шалишиё шаҳрига.
Лухит тепалигига ҳам улар йиғлаб боради.
Ҳатто Хўронайим йўлида
Улар ҳалокат туфайли фиғон чекади.
6 Ҳа, ўтлар қуриб адо бўлди,
Майсалар тамом бўлди.
Яшилликдан асар қолмади,
Нимрим суви хароб бўлди.
7 Энди улар ўзлари эришган бойликларни,
Ўзларининг ҳамма мол–мулкларини
Арабим сойлиги орқали олиб кетади.
8 Фарёд етиб борган Эхлайим шаҳригача,
Йиғи етиб борган Бэр–Илим шаҳригача,
Мўаб юрти оҳу нолага тўлди!
9 Ана, Дибондаги сувлар* қон билан тўла!
Аммо энди Худо Дибонга* баттарини қилади.
Мўабнинг қочиб қутулганларига,
Юртдаги қолган–қутганларининг бошига
Шерларни олиб келаман.

16–БОБ

Мўаб умидсиз аҳволда қолади

1 Қўзилар юборгин юртнинг ҳукмдорига,
Уларни юбор саҳро йўли орқали
Села шаҳридан* азиз Сион тоғига.
2 Худди дарбадар қушлардай
Бўлиб қолар ахир, Мўаб аҳли.
Уясидан қувилган қушлардай
Улар Арнон сойлиги* кечувини ғурбатда кезади.
3 Улар шундай дейди:
“Маслаҳат бер бизга, қарор чиқар!
Куннинг ўртасида соянгни тун каби тушир.
Яширгин қувилганларни,
Ошкор қилма қочоқларни!
4 Қочоқларимиз орангизда яшасин,
Қирғин келтирувчи зўравонлардан
Мўабга бошпана бўлгин.”

Золимлар йўқ бўлганда,
Зўравонлик барҳам топади.
Талончилар юртдан ғойиб бўлади.
5 Тахт ўрнатилар садоқат ила.
Тахтда ўтирар ҳақиқатгўй бир ҳукмдор.

Бу ҳукмдор Довуд хонадонидан келиб чиқар.
У адолатпарвар, одиллик билан ҳукм чиқарар.

6 Ҳа, эшитганмиз Мўабнинг мағрурлигини,
Унинг чиройи, киборлиги, бойлигини!
Нақадар мағрурдир у!
Аммо буларнинг ҳаммаси ёлғон!
7 Энди Мўаб фарёд чексин,
Ҳамма Мўаб учун нола қилсин.
Ҳа, ўша Хир–Харасот* майизларини
Ҳамма қўмсаб, аза тутсин.
8 Мана, ҳолдан тойди Хашбон далалари,
Сивмо узумзорлари ҳам.
Халқларнинг ҳукмдорлари эзган
Сивмонинг узум бошларини.
Улар Язиргача етиб бордилар,
Улар саҳрода кезиб юрдилар.
Новдалари бир вақтлар ўсиб кетиб,
Денгиздан ҳам ошиб ўтди.
9 Шу боис Язир йиғлаганда, мен ҳам йиғлайман,
Эй Сивмо узумзорлари!
Кўз ёшларим ила сизларни шалаббо қиламан,
Эй Хашбон, Элалей шаҳарлари!
Ахир, ёзги ҳосилингиз барҳам топди,
Дон ҳосили пайтидаги ўйин–кулгилар тўхтади.
10 Боғларда шодлик,
Хурсандчилик энди бўлмас,
Узумзорларда қўшиқ айтилмас,
Шодлик қийқириқлари кўтарилмас.
Узум сиқиш чуқурларида*
Ишлайдиган ҳеч ким қолмас.
Шодлик қийқириқларини Худо бостирди.
11 Шу боис юрагим Мўаб учун
Арфа каби нола қилар.
Хир–Харасот* учун вужудим фарёд чекар.

12 Мўаб халқи келиб, ўзини толиқтирса ҳам,
Саждагоҳига келиб, илтижолар қилса* ҳам,
Ҳеч нарсага эришмас.

13 Эгамиз бу сўзларни Мўаб ҳақида олдиндан айтган эди. 14 Энди Эгамиз айтар: “Ҳозир жуда кўп бўлганига қарамай, ёлланган ишчининг муддати каби, уч йилдан кейин Мўабнинг обрўси тўкилар. Халқидан қолганлари эса жуда оз, заиф бўлар.”

17–БОБ

Худо Дамашқ ва Исроилни жазолайди

1 Дамашқ* ҳақида башорат:

“Ана, Дамашқ энди шаҳар бўлмайди!

У вайроналар уюмига айланади!
2 Арор шаҳарлари тарк этилади,
Сурувлар масканига айланади,
Ҳеч ким уларни ҳуркитмайди.
3 Эфрайим юртининг* қалъаси йўқ бўлади,
Дамашқнинг шоҳлиги кетади.
Орам халқининг омон қолганлари ғойиб бўлади,
Буларнинг ҳаммаси Исроил халқининг
Шуҳрати сингари барҳам топади,
— деб айтмоқда Сарвари Олам. —

4 Ўша куни Ёқуб наслининг шуҳрати йўқолади,
Танаси озиб–тўзиб кетади.
5 Мана, ўроқчилар бошоқларни ўриб олади,
Ўз қўллари билан дон ҳосилини йиғиштириб олади.
Ўша далаларда терилган буғдой бошоқларидай
Рафа водийсида* Ёқуб наслидан ҳам озчилик қолади.
6 Ҳа, зайтун дарахти қоқилганда
Дарахт учида икки–уч мева қолгандай,
Ҳосилдор шохчаларда тўрт–беш мева қолгандай
Ўша бошоқларда бир–икки дон қолади”,
— деб башорат қилар Исроил халқининг Худоси — Эгамиз.

7 Ўша куни ҳар бир одам Яратувчига қарайди, уларнинг кўзлари Исроил халқининг Муқаддас Худосини кўради. 8 Инсон қурбонгоҳларга, қўлларининг ижодига қарамайди, ўз қўли билан ясаган нарсалар — Ашерага* аталган устунларни, тутатқи қурбонгоҳларини кўрмайди.
9 Ўша куни мустаҳкам шаҳарлари ўрмонлардаги ташландиқ жойларга ўхшаб қолади. Одамлар ташлаб кетган қир тепаликлар каби бўлади. Исроил халқи дастидан бу шаҳарлар харобазорга айланади.

10 Ахир, сен нажоткоринг Худони унутдинг,
Паноҳ бўладиган Қоянгни эсламадинг.
Мана, сен ёқимли ўсимликлар экасан,
Бегона кўчатларни ўтқазасан.
11 Уларни авайлаб–асраб ўстирасан,
Тонгда уруғдан куртак чиқартирасан,
Аммо барча ҳосилинг йўқ бўлади.
Фақат дард ва алам сенга насиб этади.

12 Қаранг, халқларнинг кўплигини!
Улар денгиз каби гувиллайди!
Лашкарларнинг ҳайқириғи
Тўлқинлар товушидай баланддир.
13 Аммо Эгам уларга танбеҳ беради,
Халқлар ҳам тўлқинлар каби йўқолиб кетади.
Улар узоқларга қочиб қолади.
Тоғлардаги шамолда учган хас–чўп каби қувилади,
Қуюн олдидаги гирдоб каби ҳайдалади.
14 Оқшом пайти! Қаранглар, кулфат!

Тонг отмасдан улар йўқ бўлиб кетади.
Бизни талайдиганларнинг қисмати шундай бўлади,
Биздан тортиб олганларга мана шу насиб қилади.

18–БОБ

Худо Ҳабашистонни жазолайди

1 Ҳолингга вой! Эй Ҳабашистон* дарёлари ортидаги,
Қанотлар гувиллашига тўлган юрт!*
2 Нил дарёси орқали хабарчиларини жўнатадиган,
Денгиз орқали папирус кемаларини юборадиган юрт!
Сенинг ҳолингга вой!
Боринглар, эй чаққон хабарчилар,
Баланд бўйли, териси тиниқ халққа,
Узоқдан ҳам, яқиндан ҳам қўрқинчли бўлган элатга,
Кучли, забт этувчи миллатга,
Юртида дарёлари бор халққа.

3 Эй олам аҳли, юрт халқи!
Тоғларда байроқ кўтарилганда, кўрасиз,
Бурғу чалинганда, эшитасиз.

4 Мана, Эгам менга шундай демоқда:
“Қоқ тушда куйдирай деган ёрқин қуёш нури каби,
Ҳосил мавсумида осмонни босай деган қора булут каби,
Энди жим бўлиб, Ўз масканимдан кузатиб тураман.”
5 Ҳосил йиғилмасдан олдин, ғунча очилганда,
Узум пишиб етилай деганда
Эгам новдаларни ток қайчи ила кесади,
Куртакларни эса узиб ташлайди.
6 Уларнинг ҳаммаси қолиб кетади
Тоғлардаги йиртқич қушларга,
Даштдаги ёввойи ҳайвонларга.
Улар ем бўлади ёзда йиртқич қушларга,
Қишда ёввойи ҳайвонларга.

7 Ўша пайтда ҳадялар келтирар Сарвари Оламга
Баланд бўйли, териси тиниқ Ҳабаш халқи,
Узоқдагилар ҳам, яқиндагилар ҳам қўрқадиган халқ,
Кучли, забт этувчи халқ,
Юртида дарёлари бўлган халқ.
Ҳа, бу халқ ҳадялар келтирар Сион тоғига
Сарвари Оламга аталган жойга.

19–БОБ

Худо Мисрни жазолайди

1 Миср ҳақида башорат:

Ана, Эгам миниб олган учқур булутга,

У келади Мисрга.
Мисрнинг беҳуда бутлари
Унинг олдида титрар,
Мисрнинг юраги эса орқага тортар.

2 “Миср халқини бир–бирига сапчитаман.
Ака–укалару дўстлар,
Шаҳарлару шоҳликлар
Бир–бирига қарши чиқар.
3 Мисрликлар тушкунликка тушади.
Мен уларнинг режаю ниятларини пучга чиқараман.
Улар қидириб қолар
Беҳуда бутларнию сеҳргарларни,
Фолбинлару оталари руҳларини.
4 Мен Мисрни бераҳм хўжайинларга топшираман,
Ҳа, кучли шоҳ уларни бошқаради”,
— демоқда Сарвари Олам — Раббий.

5 Нил суви қуриб қолади,
Дарё қуриб бораверади,
У жизғанак ер бўлади.
6 Оқар сувлар бадбўй ҳид чиқаради,
Мисрдаги Нил пасайиб, қурийди.
Поялару қамишлар чирийди.
7 Нил қирғоғидаги, дарё бўйидаги қамишлар,
Нил бўйига экилган ҳамма экинлар
Қуриб кетади, совурилади,
Улардан ҳеч нарса қолмайди.
8 Балиқчилар аза тутар,
Нилга қармоқ ташлаганлар йиғлар,
Сувга тўр ёйганлар умидсиз бўлар.
9 Зиғир толасига ишлов берадиганлар
Шарманда бўладилар,
Оқ мато тўқийдиганлар*
Уятга қолиб кетадилар.
10 Уларнинг дастгоҳлари ишдан чиқади,
Барча ишчилари тушкунликка тушади.

11 Эй Зўван* шаҳзодалари, ғирт аҳмоқсиз ахир,
Эй фиръавн маслаҳатчилари, сизнинг донолигингиз ҳам шундай.
Маслаҳатларингиз даф бўлади.
Қандай қилиб сиз фиръавнга:
“Биз доноларнинг ўғлимиз,
Қадим шоҳлар наслиданмиз”, дея айта оласиз?!
12 Эй фиръавн, қани ўша доно одамларингиз?!
Сарвари Олам Мисрга нима режа қилганини
Улар сизга билдирсин, айтсин.
13 Мана, Зўван шаҳзодалари аҳмоқ бўлдилар,
Нуф* шаҳзодалари алдандилар.
Мисрни ўз қабила бошлиқлари йўлдан урдилар,

14 Уларнинг ақлини Эгам чалкаштирди,
Қусуғига думалайдиган маст қандай бўлса,
Мисрни улар шундай йўлдан оздирар.
15 Мисрга ҳеч ким ёрдам бера олмас,
На боши, на қуйруғи, на хурмоси, на қамиши*.

Миср Эгамизга сажда қилади

16 Ўша куни Миср хотин кишига ўхшаб қолади. Сарвари Олам унга қарши қўлини кўтаради, шунда Миср титраб даҳшатга тушади. 17 Яҳудо Мисрликларни даҳшатга солади. Сарвари Олам уларни ваҳимага солганини эслаган ҳар бир одам даҳшатга тушади.

18 Ўша кунга келиб, Мисрдаги бешта шаҳар иброний тилида* гапирадиган бўлади. Улар Сарвари Олам олдида онт ичадилар. Бу шаҳарлардан бири “Қуёш шаҳри”* деб аталади.

19 Ўша куни Мисрнинг ўртасида Эгамиз учун бир қурбонгоҳ қурилади, чегарада Эгамизга аталган бир муқаддас тош ўрнатилади. 20 Булар Сарвари Олам учун Мисрда бир белги ва гувоҳ бўлади. Халқ золимлар дастидан ёлворганда, Эгамиз уларни қутқарадиган бир ҳимоячи юборади. У халқни қутқаради.
21 Эгамиз Ўзини Мисрликларга зоҳир қилади. Мисрликлар ҳам ўша куни Уни тан оладилар. Эгамизга қурбонликлар келтирадилар, назрлар атаб, сажда қиладилар. Унга ваъда бериб, ваъдаларини адо этадилар. 22 Эгамиз Мисрликларни хасталик келтириш билан жазолайди, кейин шифо беради. Улар Эгамизга ёлворадилар, Эгамиз уларга шифо беради. 23 Ўша куни Миср билан Оссурия ўртасида бир йўл бўлади. Оссуриялик Мисрга, Мисрлик Оссурияга бориб келаверади. Оссурияликлар билан Мисрликлар биргаликда сажда қиладилар.

24 Ўша куни Миср билан Оссурия қаторида Исроил учинчи халқ бўлади. Учалови ер юзига барака бўлади. 25 Ҳа, Сарвари Олам уларга марҳамат қилиб, шундай деган: “Эй халқим Миср, қўлларимнинг ижоди Оссурия, Ўзимнинг мулким Исроил, барака топинглар!”

20–БОБ

Яланғоч Ишаё халқ учун аломатдир

1 Оссурия шоҳи Саргон ўз лашкарбошисини Ашдод шаҳрига юборди. Лашкарбоши келиб, Ашдодни қўлга олди*. 2 Ўша пайтда Омиз ўғли Ишаёга Эгамиз шундай деди:

— Қани, эгнингдаги қанорни* еч, оёқларингдаги чориқларингни еч.

Ишаё айтилганларни қилди. У яланғоч, ялангоёқ юрадиган бўлди. 3 Шунда Эгамиз деди:

— Қулим Ишаё уч йил яланғоч, ялангоёқ юргани Миср ва Ҳабашистон* қисматини билдирувчи белги ва аломатдир. 4 Оссурия шоҳи Миср асирларини, Ҳабашистон тутқунларини, ёшу қарисини яланғоч, ялангоёқ, уятли жойлари очиқ ҳолда ҳайдаб кетади. Миср шарманда бўлади. 5 Ҳабашистонга умид боғлаган, Мисрдан фахрланган халқ иснодга қолади. 6 Ўша куни қирғоқдаги юртнинг аҳолиси* шундай деб айтади: “Биз ишонган одамларнинг аҳволини кўриб қўйинг. Улар бизга ёрдам бериб, Оссурия шоҳининг қўлидан қутқаради, деб юрардик. Энди қандай қутулар эканмиз?!”

21–БОБ

Бобилнинг қулаши ҳақида башорат

1 Денгиз бўйидаги саҳро* ҳақида башорат:

Нагав узра кетма–кет эсаётган бўронлар каби,
Чўлдан — қўрқинчли юртдан келаётир босқинчи.

2 Мен мудҳиш бир ваҳий кўрдим:
Хоин хоинлик қилаётир,
Босқинчи талон–тарож қилаётир.
Эгамнинг сўзларини эшитдим:
“Эй Элам халқи, ҳужум қил,
Эй Мидия* халқи, қамал қил!
Жамики нолаларга барҳам бераман!”

3 Эвоҳ, кўрганларимдан ичимда оғриқ турди,
Туғаётган аёл каби азоблар мени қамради.
Икки букилдим эшитганларимдан,
Даҳшатга тушдим кўрганларимдан.
4 Юрагим увушиб кетди,
Қўрқувдан титраб кетдим.
Оқшомни кутгандим,
Оқшом эса қўрқувга тўла.

5 Бобилликлар гиламлар тўшаб,
Дастурхон ҳозирламоқдалар,
Улар еб–ичмоқдалар.
Бирданига шундай овоз эшитилмоқда:
“Қўзғалинг, эй раҳнамолар, қалқонларни ёғланг!”

6 Раббий менга шундай деди:
“Қани, бир қоровул қўй,
Кўрганини етказсин.
7 Жанг араваларининг, отлиқларнинг,
Эшакларга, туяларга минганларнинг
Жуфт–жуфт бўлиб келганини кўради.
Яхшилаб эътибор берсин.”
8 Шу лаҳзада қоровул шердай ўкириб қолди*:
“Эй тўрам, мен кундузи ҳар доим
Қоровул минорасида тураман,
Ҳар тун ҳам жойимдаман.
9 Ана, жанг аравалари, отлиқлар
Жуфт–жуфт бўлиб келаётир!”
Шу он у бақириб хабар берди:
“Қулади, Бобил қулади!*
Бутлари синиб, ер билан битта бўлди!”

10 Эҳ, халқим!
Хирмонда буғдой каби янчилган* халқим!
Исроил халқининг Худоси — Сарвари Оламдан

Эшитганларимни сизга билдирдим.

Эдом ҳақида башорат

11 Думах* ҳақида башорат:

Сеирдан* мени чақиришар:
“Эй посбон, қачон тонг отар?
Қачон тонг отар?”
12 Жавобим шудир: “Тонг отаётир,
Аммо яна кеч киради.
Кўпроқ билмоқчи бўлсангиз,
Яна қайтиб келинг.”

Арабистон ҳақида башорат

13 Арабистон ҳақида башорат:

Ғарб ўрмонларида тунайсиз,
Эй Дедон* карвонлари!
14 Эй Темо* аҳолиси!
Сув келтиринг, ташналарга пешвоз чиқинг!
Қутулиб омон қолганларга нон беринг!
15 Ахир, улар қочаётирлар қиличдан,
Душманнинг кўтарилган қиличидан,
Таранг тортилган ёйлардан,
Шафқатсиз урушлардан.

16 Раббий менга шундай деди: “Яна бир йилдан кейин, ёлланган ишчининг муддати каби, Кедарнинг* улуғворлиги барҳам топади. 17 Кедарнинг жасур камонкашларидан озгинаси қолади.” Ҳа, Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай деди.

22–БОБ

Қуддус ҳақида башорат

1 Ваҳий водийси* ҳақида башорат:

Эй Қуддус аҳли, нима қиляпсиз?!
Нега томларга чиқиб*, шод–хуррам бўляпсиз?!
2 Нима учун бутун шаҳар қувонч садоларига тўла?!
Орангизда ўлганлар урушда нобуд бўлмади,
Шуни унутдингизми?!
3 Йўлбошчиларингиз жанг майдонидан қочди,
Шуни эсдан чиқардингизми?!
Узоққа қочган бўлса–да,
Уларнинг ҳаммаси душман қўлига тушди,
Жангсиз, ўқсиз душманга таслим бўлди.
4 Шунда мен дедим:
“Ёлғиз қолдиринг мени,
Аччиқ–аччиқ йиғлайин.
Тасалли беришга уринманг менга,
Ахир, учради халқим қирғинга!”

5 Зотан, Сарвари Олам — Раббий бир кунни белгилади,
У куни Ваҳий водийсида қий–чув бўлади,
Зулм ва саросима ҳукм суради.
Деворлар қулаётир,
Одамлар тоғларга қараб фарёд қилаётир.
6 Элам* лашкари ўқдонларини тайёрлади,
Жанг аравалари, отлиқлари билан келди,
Хир лашкари қалқонларини қўлга олди.
7 Мана, гўзал водийларингиз жанг аравалари билан тўлди,
Отлиқлар шаҳар дарвозалари олдига йиғилди.
8 Эвоҳ, Яҳудо ҳимоясиз қолди!

Ўша куни сизлар “Лубнон ўрмони” деган уйдаги* қуролларга ишондингиз.
9 Довуд қалъаси деворларининг ёриқлари жуда кўп. Буни кўриб сизлар Қуйи
ҳовуздан сув тўпладингиз. 10 Қуддусдаги уйларни санаб чиқдингиз. Шаҳар
деворларини мустаҳкамлаш учун уйларни буздингиз. 11 Эски ҳовуз сувларини
тўплаш учун икки девор ўртасида* сардоба қурдингиз. Аммо буни илгаридан
режа қилган Худони ёдга олмадингиз. Амалга оширадиган Худони хаёлингизга
ҳам келтирмадингиз.

12 Ўша куни Сарвари Олам — Раббий:
“Йиғланг, аза тутинг”, деб айтди.
“Сочларингизни қириб, қанорга ўранинг*”, деди У.
13 Аммо буни қаранг!
Шодлигу кайфу сафо!
“Эрта–индин ўлиб кетамиз,
Келинглар, еб–ичиб қолайлик”, деб
Сизлар буқа, қўйлар сўйдингиз,
Гўшт еб, майхўрлик қилдингиз.
14 Шунда Сарвари Оламнинг Ўзи менга шундай деди:
“Бу гуноҳларингиз кечирилмас ўлгунингизгача.”
Ҳа, буни Сарвари Олам — Раббий айтмоқда.

Шавна огоҳлантирилади

15 Сарвари Олам — Раббий шундай демоқда: “Қани, шоҳнинг ўнг қўл вазири,
сарой аъёни Шавнанинг* олдига бориб, шундай деб айт: 16 «Бу ерда нима ишинг
бор?! Бу ерда сенинг киминг борки, ўзингга қабр қазибсан?! Юксакда ўзингга
қабр қазибсан, қояда ўзингга маскан қилибсан?! 17 Мана, Мен, Эганг, сени
улоқтираман. Эй кучли инсон! Мен сени чирпирак қилиб шиддат билан
улоқтираман. 18 Мен сени айлантириб–айлантириб, тўп каби, кенг бир юртга
учириб юбораман. Сен ўша юртда ўлиб кетасан. Улуғвор жанг араваларинг ўша
ерда қолиб кетади. Хўжайининг хонадонига сен шармандалик келтирасан! 19 Мен
сени ўз жойингдан қўзғатаман. Сен ўз лавозимингдан олинасан.
20 Ўша куни Хилқиёнинг ўғли қулим Элияқимни* чақираман. 21 Сенинг
либосларингни унга кийдираман. Камарингни унга боғлаб, сенинг бутун
ҳукмронлигингни унга бераман. У Қуддус аҳолисига, Яҳудо халқига ота бўлади.
22 Довуд хонадонининг калитини* унга бераман. У очганда, ҳеч ким
беркитолмайди. У беркитганда, ҳеч ким очолмайди. 23 Мен уни деворга мустаҳкам
қоқилган қозиқдай қиламан, у ўз уруғига шуҳрату шараф келтиради. 24 Ҳамма
уруғ–аймоқларини қўллаб–қувватлайди, уларнинг оғирини енгил қилади. Улар

қозиққа осилган идишлар каби Элияқимга осилиб олади. 25 Аммо бир кун келиб,
мустаҳкам қоқилган бу қозиқ жойидан чиқиб, ерга тушади, — демоқда Сарвари
Олам. — Унга осилган юк чилпарчин бўлади.»” Эгамиз шундай деб айтди.

23–БОБ

Тир шаҳрини Худо жазолайди

1 Тир* ҳақида башорат:

Эй Таршиш* кемалари, фарёд қилинг!
Сиз Кипр* соҳилида эшитган хабарлар тўғри,
Бошпанангиз бўлган Тир вайрон бўлди.

2 Сукут сақланг, эй орол халқи!
Эй Сидон* савдогарлари!
Бир пайтлар кемаларга тўла эдингиз.
3 Шихор* дони, Нилнинг ҳосили
Тирнинг даромади бўлган эди,
У элатлардан фойда қиларди.
4 Уят сенга, эй Сидон!
Ахир, Тир, денгиз бўйидаги қалъа шундай демоқда:
“На тўлғоқ азобин чекдим, на туғдим,
На ўғиллар, на қизлар улғайтирдим.”
5 Тир тўғрисида эшитганда,
Мисрнинг юраги қинидан чиқай дейди.

6 Таршишга жўнанг, эй қирғоқ аҳолиси,
Фарёд қилинг!
7 Қадимда барпо бўлган,
Такаббур шаҳрингизнинг ҳоли не бўлди?
Энди дарбадар бўласиз,
Узоқ, бегона юртни ватан қиласиз.
8 Тирга қарши ким бундай қарор чиқарди?
Бу шаҳар шоҳларга тож кийдирганди,
Савдогарлари ҳукмдор эди,
Бутун дунё уларни иззат қиларди.
9 Сарвари Олам қабул қилди бу қарорни:
“Такаббурлиги, улуғворлиги йўқ бўлсин,
Бутун олам иззат қилганлар ерга урилсин.”

10 Эй Таршиш аҳли!
Нил бўйидаги деҳқонлар каби,
Ерларингга ишлов бер*.
Ахир, бандаргоҳинг йўқ энди*.
11 “Канъон қалъалари вайрон бўлсин”, деб
Эгамиз амр берди.
Ҳа, У денгизга қарши қўл кўтарди,
Шоҳликларни титратди.
12 Эгамиз шундай деди:
“Зулм чеккан, эй Сидон аҳли,

Энди хурсандчилик билмай ўтасан.
Қани, Кипрга жўна,
У ерда роҳат нималигин билмай ўтасан.”

13 Ана Бобил* юртига боқ, энди унинг халқи йўқ. Оссурияликлар қуршов
миноралари қурдилар, Бобилликларнинг саройларини яксон қилдилар. Юртни
вайронага айлантирдилар, ёввойи ҳайвонларга бердилар.

14 Фарёд қилинг, эй Таршиш кемалари,
Энди йўқ бошпанангиз!*

15 Шундан кейин Тир шаҳри бир шоҳнинг умрича — етмиш йилга унутилади.
Етмиш йил ўтгандан кейин, Тир ҳам қуйидаги қўшиқда айтилган фоҳишадай
бўлади.

16 Арфангни ол, шаҳар бўйлаб кез,
Эй ҳамма унутган фоҳиша!
Қани, гўзал қилиб чал–чи!
Қўшиқ кетидан қўшиқ куйла–чи!
Балки сени эслаб қоларлар.

17 Етмиш йил ўтгач, Эгамиз Тир билан яна алоқада бўлади. Аммо Тир пул учун
яна фоҳишалик қила бошлайди. Дунёнинг ҳамма шоҳликларига фоҳиша бўлади.
18 Шаҳар тижоратдан ва фаҳшдан олган даромадларини Эгамизга атайди.
Даромадлар йиғилмайди ҳам, сақланмайди ҳам. Тижоратдан олганларини
тўйгунча есинлар, чиройли кийинсинлар деб, даромад Эгамизнинг ҳузурида
яшаётганларга берилади.

24–БОБ

Эгамиз ер юзини жазолайди

1 Ана, Эгамиз хароб этади ер юзини,
Вайронага айлантиради уни,
Остин–устин қилади ер юзини,
Тарқатиб юборади замин аҳлини.
2 Бир тақдир кутмоқда
Халқ ва руҳонийни,
Қул ва унинг эгасини,
Чўрию унинг бекасини,
Харидору сотувчини,
Қарздору қарз берувчини,
Судхўру қарз олганни.
3 Дунё тамом вайрон бўлади,
Ер юзи ўлжага айланади.
Ҳа, Эгамизнинг каломи шудир.

4 Дунё қуриб, вайрон бўлади,
Ер юзи қайғуриб, тамом бўлади,
Дунёнинг мағрур халқи кучдан қолади.
5 Замин булғанди,
Ахир, унинг аҳли қонунларни бузди,

Худонинг кўрсатмаларини оёқ ости қилди.
Ҳа, абадий аҳд бузилди.
6 Шу боис лаънат оламни еб битиради,
Олам аҳли гуноҳининг жазосини тортади,
Шу сабабдан улар йўқолиб бормоқда,
Жуда оз одамлар қутулиб қолди.
7 Янги шаробинг тугади, токларинг қуриди,
Илгари шод бўлганлар оғир нафас олмоқда.
8 Доиранинг жўшқин садоси кесилди,
Шодон овозлар энди эшитилмайди,
Арфанинг шўх садоси сукутга толди.
9 Энди шароб ичиб, қўшиқ айтмаслар,
Ичганга шаробнинг таъми аччиқ туюлар.
10 Вайрона шаҳар ташландиқ бўлди,
Ҳамма уй беркилган, кириб бўлмайди.
11 Шароб йўқлигидан кўчаларда шовқин–сурон.
Эвоҳ, шодликдан асар ҳам қолмади,
Дунёни севинч тарк этди.
12 Шаҳар харобазор,
Дарвозалари эса парча–парча.
13 Ҳа, ҳосил мавсумидан кейин,
Зайтун дарахти ёки узумзор қандай бўлса,
Дунёдаги халқлар ҳам шундай яланғоч бўлиб қолади.

14 Мана, ғарбдагилар
Эгамизнинг буюклигини овоза қиладилар.
Улар овозларини юксалтириб,
Севинчдан ҳайқирадилар.
15 Шу боис, эй шарқ аҳли, Эгамизга ҳамду сано айтинг,
Эй денгиз ороларида яшовчилар,
Исроил халқининг Худоси — Эгамизни улуғланг.
16 Дунёнинг энг четидан қўшиқлар эшитармиз:
“Одил Худога шарафлар бўлсин!”

Аммо мен: “Тамом бўлдим! Тамом бўлдим!
Энди ҳолимга вой! — дедим. —
Хоинлар сотмоқдалар,
Ҳа, улар хоинлик қилмоқдалар!”
17 Эй олам аҳли, сизни ваҳима,
Тузоқ ва чоҳ кутмоқда.
18 Ваҳимали овозни эшитиб қочган чуқурга тушар,
Чуқурдан чиққан эса тузоққа илинар,
Осмоннинг қопқаси очилади,
Ернинг пойдевори титраб кетади.

19 Ер парча–парча бўлиб,
Майдаланиб кетади.
Ер қаттиқ тебранади.
20 Замин маст одамдай гандираклайди,
Даладаги чайладай тебранади.

Гуноҳларнинг оғирлигидан букчайиб қолади,
Йиқилади–ю, қайтиб тура олмайди.

21 Ўша куни Эгамиз юқоридаги самовий кучларга,
Пастдаги замин шоҳларига жазо беради.
22 Улар чоҳдаги асирлар каби,
Бир жойга йиғиб олинади,
Зиндонга қамаб қўйилади,
Кейинроқ улар жазоланади.

23 Ой хижолат бўлар, қуёш шарманда бўлар,
Сарвари Олам Қуддусдаги Сион тоғида ҳукмрон бўлар.
Халқ оқсоқолларига У Ўз улуғворлигини намоён қилар.

25–БОБ

Шукрона қўшиғи

1 Эй Эгам, Сен менинг Худойимсан.
Мен Сени улуғлайман,
Сенга ҳамду санолар айтаман.
Сен ажойиб ишлар қилгансан,
Қадимдан тузган режаларингни,
Садоқат билан амалга оширгансан.
2 Яксон қилдинг душманларимиз қалъаларини,
Вайронага айлантирдинг мустаҳкам шаҳарларини,
Йўқ қилдинг узоқ юртдаги ажойиб саройларини,
Улар ҳеч қачон қайта тикланмас.
3 Энди кучли халқлар Сени иззат қилади,
Шафқатсиз халқлар Сенга сажда қилади.
4 Камбағал, бечоралар кулфатда қолганда,
Сен уларга бошпана бўлдинг.
Пешиндаги жазирамадан соя,
Жаладан паноҳ бўлдинг.
Ваҳший ғанимларнинг ҳужуми бўрондай бўлди.
Сен эса бизнинг паноҳимиз бўлдинг.
5 Душман шовқин–сурони
Саҳро иссиғи каби бўлганда,
Жазирама иссиқни Сен
Булутлар сояси ила босдинг.
Душманнинг севинч қўшиғи
Садоларини ўчирдинг.

Худо зиёфат тайёрлайди

6 Бу тоғда* Сарвари Олам
Жамики халқлар учун
Ажойиб зиёфат тайёрлар.
Бой дастурхон, сара шароблар,
Ёғли гўштлар, тиниқ шароб тортилади.
7 Ўша куни Эгам жамики халқлар устидан
Кафанларини ечиб ташлайди.

Мана шу тоғда Эгам
Халқларни ўраган, элатлар устидаги
Ёпинчиқни олиб ташлайди.
8 Ҳа, У ўлимни бутунлай ютиб юборади.
Эгам Худо ҳамманинг кўз ёшларини артиб қўяди,
Бутун ер юзида Ўз халқининг уятини олиб ташлайди.
Ҳа, Эгам шундай деб айтган!

9 Ўша куни улар шундай дейдилар:
“Мана, бизнинг Худойимиз,
Қутқарсин деб, Уни кутгандик,
У бизга нажот берди.
Келинглар, қувонайлик, севинайлик!
Умид қилиб кутгандик,
Мана, бизнинг Эгамиз.”

Худо Мўабни жазолайди

10 Эгамнинг Ўзи бу тоғни ҳимоя қилар.
Мўаб* халқи янчилган сомондай эзилар,
Чиритиш учун гўнг чуқурга улоқтирилар.
11 Ҳа, улар бор кучи билан
Сузувчига ўхшаб чуқурдан чиқишга интилар.
Аммо Худо уларнинг ғурурини яксон қилар,
Қўлларининг моҳирлиги фойда бермас.
12 Мўабнинг қалъа деворлари бузиб ташланар,
Вайронага айланар, ер билан яксон бўлар.

26–БОБ

Худо Ўз халқига ғалаба ато қилади

1 Ўша куни Яҳудо юртида ушбу қўшиқ куйланар:

“Мана, шаҳримиз қудратлидир!
Эгамиз бизнинг қалъамиздир,
Унинг Ўзи бизга нажот беради.
2 Очинг шаҳар дарвозаларини!
Садоқатли солиҳ халқ ичкари кирсин!
3 Эй Эгамиз, Сенга ишониб,
Фикри–зикри Сендан узилмайдиганга
Ўзинг комил тинчлик ато қиласан.
4 Эгамизга то абад ишон,
Унинг Ўзи* абадий Қоямиздир.
5 Юксалганларни У йиқитди,
Такаббур шаҳарни вайрон қилиб,
Ер билан битта қилди.
6 Ўша шаҳарни мазлумлар оёқ ости қилди,
У бечораларнинг қадамлари остида эзилди.”

7 Солиҳнинг йўли текисдир,
Тўғри йўлни Сен унга тайёрлайсан.

8 Эй Эгамиз, йўл–йўриқларинг ила
Сенга умид қиламиз.
Сенинг номингни шарафлаш
Кўнглимиз истагидир.
9 Тун бўйи юрагим Сени қўмсайди,
Ҳа, мен Сенга интиламан.
Ер юзида Сенинг ҳукминг бўлганда,
Олам аҳли адолатни билади.
10 Фосиқлар марҳамат кўрганда
Улар асло солиҳликни ўрганмас.
Ҳаққонийлик ўрнига улар эгрилик қилаверади,
Сенинг улуғворлигингни улар кўрмайди.
11 Эй Эгамиз, қўлинг кўтарилган,
Жазолашга тайёр,
Аммо улар буни кўрмайди.
Халқингни деб жон куйдирганингни кўриб,
Улар шарманда бўлсин.
Ғанимларингга аталган олов уларни ютсин.

12 Эй Эгамиз, бизга Сен тинчлик ато этасан,
Қилган ишларимизнинг барчасига
Етишганмиз Сенинг қудратинг ила.
13 Эй Эгамиз Худо, Сендан бошқалар
Устимиздан ҳукмронлик қилдилар,
Аммо биз ёлғиз Сенинг номингни тилга оламиз.
14 Ўликлар яшамас,
Улар асло қайтиб келмас.
Уларни Сен жазолаб, қириб ташладинг,
Уларни тамомила хотирадан ўчирдинг.
15 Эй Эгамиз, халқимизни Сен кўпайтирдинг,
Халқни кўпайтириб, Ўзинг юксалдинг,
Юртнинг барча чегараларини кенгайтирдинг.

16 Эй Эгамиз, кулфатда қолганларида
Улар Сенга юз бурдилар,
Сенинг танқидларинг остида эгилдилар.
17 Тўлғоқ тутаётган аёл оғриқдан қичқиргандай,
Тўлғониб, дод–фарёд қилгандай,
Биз ҳам Сенинг олдингда шундай бўлдик, эй Эгамиз!
18 Ҳомиладор бўлиб, дард чекдик,
Аммо шамолдан бошқа ҳеч нарса кўрмадик.
На ер юзида биз ғолиб бўлдик,
На авлодлар дунёга келтирдик.

19 Аммо Сенинг ўлик халқинг тирилади,
Таналари ўрнидан туради.
Эй тупроқ остида ётганлар, қўзғалинг,
Шодликдан ҳайқиринг!
Эй Эгамиз, шабнаминг тонгги шабнамга ўхшайди,
Замин мурдаларига ҳаёт бағишлайди.

Ҳукм ва қайта тикланиш

20 Келинг, эй халқим, бир оз яшириниб туринг!
Эгамизнинг ғазаби босилгунча,
Киринг ичкарига,
Ортингиздан эшикларни ёпиб қўйинг!
21 Ана, Эгамиз келаётир масканидан
Замин аҳлини гуноҳлари учун жазолагани.
Ер тўкилган қонларни фош этади,
Қотилликнинг қурбонларини энди яширмайди.

27–БОБ

1 Ўша куни Эгамиз қиличи билан Левитанни *жазолар.
Ҳа, шафқатсиз, баҳайбат, қудратли қиличи билан жазолар
Ўша қочаётган, ғимирлаётган илон — Левитанни.
Ўлдирар денгиздаги ўша аждарҳони.

2 Эгам айтар: “Ўша куни ажойиб узумзор* тўғрисида куйланг!
3 Мен, Эгангиз, узумзор қўриқчисиман,
Доимо уни суғораман.
Кечаю кундуз узумзорни қўриқлайман,
Ҳеч ким унга зарар келтиролмайди.
4 Мен ғазабда эмасман!
Лекин тиканлару буталар Менга қарши чиқса,
Улар билан жанг қиламан.
Уларни ёндириб ташлайман.
5 Улар Мендан паноҳ излаб келсин!
Ҳа, Мен билан тинчлик ўрнатсин,
Улар Мен билан тинчлик ўрнатсин.”

6 Вақти келиб, Ёқуб насли илдиз отади,
Исроил куртак отиб, гуллайди,
Ер юзини мевалари билан тўлдиради.

7 Исроилнинг душманларини Эгамиз қаттиқ жазолайди!
Исроилнинг кўп ғанимларини Эгамиз ўлдиради,
Исроилни эса у қадар жазоламайди,
8 Эгамиз Ўз халқини жазолаганда
Уларни юртидан ҳайдаб, сургун қилади.
Шарқдан эсган бўрон каби,
Уларни узоққа олиб кетади.
9 Шундай қилиб, Эгамиз Ёқуб наслини гуноҳдан поклайди.
У бутларга аталган қурбонгоҳларни парчалаб ташлайди.
Ашерага* аталган устуну тутатқи қурбонгоҳлардан асар ҳам қолмайди.
10 Мана, Исроилнинг мустаҳкам шаҳарлари ташландиқ бўлади,
Тарк этилган саҳродай, ҳувиллаган юрт бўлади.
Вайроналар орасида чорва ўтлаб юради,
Дарахтларнинг баргини еб, шип–шийдам қилади.
11 Шохлари қуриб, синиб ётади,
Аёллар келиб, уларни ёқади.

Бу халқ ақл–ҳушидан айрилган,
Яратувчи ҳам уларга ачинмайди,
Худо уларга марҳамат кўрсатмайди.

12 Ўша куни, эй Исроил халқи, Эгамиз сизларни Фурот дарёсидан Миср
чегарасидаги ирмоққача* бўлган ерда янчади*. Ҳаммангизни битта–битта йиғиб
келади. 13 Ўша куни катта карнай чалинади. Оссурия юртида йўқолганлар, Миср
юртига қувилганлар келиб, Қуддусдаги муқаддас тоғда* Эгамизга сажда қилади.

28–БОБ

Худо Самарияни жазолайди

1 Эй улуғворлик тожи бўлган шаҳар! Ҳолингга вой!
Сен Эфраимдаги* маст–аластларнинг улуғворлиги эдинг!
Эҳ, ажойиб, гўзал шаҳар эдинг! Шуҳратинг гулдай сўлмоқда!
Серҳосил водийдаги унумдор шаҳар эдинг.
Тубанлашдинг шаробдан!
2 Мана, Раббийнинг кучли бир баҳодири бор*.
У селга, вайрон келтирадиган қуюнга ўхшайди.
Ювиб кетадиган, тошқин жалаларга ўхшайди.
Ўз қўллари билан у Эфраимни яксон қилади.
3 Эҳ, Эфраимдаги маст–аластларнинг улуғворлик тожи!
Ана энди оёқ остида топталади!
4 Серҳосил водийдаги унумдор шаҳар эди!
Энди уларнинг шуҳрати гуллар каби сўнади.
Улар илк пишган анжирларга ўхшайди,
Пишган заҳоти юлиниб, ютиб юборилади.

5 Ўша куни Сарвари Олам
Ўзининг халқидан қолганлари учун
Шуҳрат тожию ажойиб гулчамбар бўлади.
6 Ҳукм курсисида ўтирганларга
У адолат руҳини беради.
Дарвозадан душманга зарба берадиганга
У жасорат манбаи бўлади.

Худо бузуқ йўлбошчиларни жазолайди

7 Руҳоний, пайғамбарлар шароб туфайли,
Ўткир ичимликлардан гандираклаб юради.
Ҳа, шароб, бўзалардан уларнинг боши айланади,
Май дастидан улар йўлларидан адашади,
Ўткир ичимликдан гандираклаб юради.
Улар ваҳий кўрганларида хато қилади,
Қиладиган ҳукмларида адашади.
8 Уларнинг дастурхони қусуққа тўла,
Бирорта ҳам тоза жой йўқ.

9 Улар менга таъна қилиб айтади:
“Сен кимга таълим бераётганингни биласанми ўзи?!
Бизни энди кўкракдан ажратилган гўдак деб ўйлаяпсанми?!

10 Қачон қарама, бидир–бидир қиласан,
Гўдакдай гувранасан*.”
11 Шундай экан, Худо уларга,
Ўзга тилда, тушунарсиз шевада* гапиради.
12 Худо уларга қаерда ором топишларини айтган,
Тинчликка қандай эришиш кераклигини ўргатган,
Аммо улар қулоқ солишни истамадилар.
13 Шу сабабдан Эгамизнинг сўзи
Улар учун мазмунсиз сўзлардай бўлади.
Гўдакнинг гувранишидай* эшитилади.
Улар юрмоқчи бўлганларида
Орқага йиқилиб, яраланадилар,
Тузоққа тушиб, олиб кетиладилар.

Қуддус ҳукмдорларига мурожаат

14 Шу боис Эгамдан келган бу хабарни эшитинг,
Эй Қуддусдаги масхарабоз ҳукмдорлар!
15 Сизлар шундай дедингиз: “Биз
Ўлим билан аҳд қилганмиз,
Ўликлар диёри* ила битим тузганмиз.
Даҳшатли офат келиб бошимизга тушмайди.
Ахир, ёлғонни паноҳ қилиб олганмиз,
Сохталикни чодир қилиб олганмиз.”
16 Шу боис Эгамиз Раббий айтмоқда:
“Мана, Мен жойлаштиряпман Қуддусда*
Синалган бир тошни, пойдевор тошини.
Бу қадрли тамал тоши* ишончли пойдевордир.
Ҳа, унга таянган ҳеч бир инсон умидсиз бўлмайди.
17 Мен адолат билан ҳукм қиламан,
Тўғрилик ўлчовим бўлади.
Сохта паноҳингизни дўл ювиб кетади,
Чодирингизни селлар ювиб кетади.
18 Ўлим билан тузган аҳдингиз бекор бўлади,
Ўликлар диёри ила қилган битимингиз барбод бўлади.
Даҳшатли офат юртдан ўтаётганда,
Сизлар ер билан яксон бўласиз.
19 Ҳа, ҳар тонгда, туну кун
Ўша тўфон сизни ювиб кетади.”

Эшитганингизни англаб етганингизда,
Бу хабар ғоят катта хавфдан дарак беради:
20 Ётгани тўшагингиз калталик қилади,
Ёпингани кўрпангиз энсизлик қилади*.
21 Перазим тоғидагидай*
Ўз ишимни қилай, деб Эгам қўзғалади.
Гивон водийсидагидай* У ғазабга минади.
Ҳа, У Ўзининг ажойиб ишини қилади.
Унинг ишлари ҳайратда қолдиради.
22 Масхаралашни бас қилинг энди,
Бўлмаса занжирларингиз яна оғирлашади.

Сарвари Олам — Раббий менга:
“Бутун юртни вайрон қиламан”, деб айтди.

Барча донолик Эгамиздандир

23 Тингланг, овозимга қулоқ солинг,
Диққат қилинг, гапларимни эшитинг!
24 Деҳқонлар экиш учун ерга ишлов бераверадими?!
Тупроқ ковлайверади–ю, ҳеч қачон экмайдими?!
25 Йўқ, улар ерни текислайди,
Кейин укроп, зира уруғини сепади.
Белгиланган жойларига
Ҳар турли буғдой, арпа уруғини экади.
26 Ҳа, деҳқонлар нима қилишни билади,
Худо уларга ақл–идрок берган!

27 Ахир, укропни болға билан янчмайди,
Зирани арава ғилдираги билан эзмайди.
Мана, укропни калтак билан янчиб олади,
Зирани таёқ билан эзиб олади.
28 Буғдойдан ун қилинади,
Аммо у то абад янчилмайди*.
Арава ғилдираги буғдой устидан
Чанг бўлгунча юргизилмайди.
29 Бу донолик келар Сарвари Оламдан,
Унинг маслаҳатлари ажойиб, донолиги буюкдир.

29–БОБ

Қуддус қамал қилинади

1 Эгам айтар:
“Ҳолингга вой, эй Довуд яшаган шаҳар!
Эй Ориёл*, Ориёл!
Йиллар ортидан йиллар ўтаверади,
Байрамлар нишонланади.
2 Аммо Мен бошингга кулфат келтираман,
Фарёд қилиб, нола чекасан,
Сени қурбонгоҳ* қиламан.
3 Атрофингда сенга қарши лашкар тўплайман,
Қамал иншоотларини* ўрнатаман.
Миноралар қуриб, сени ўраб оламан.
4 Ернинг остидан сен гапирасан,
Тупроқ остидан сўзларинг келади,
Овозинг шарпа овозидай ер остидан чиқади,
Гапларинг тупроқ остидан шивирлаб келади.

5 Аммо шунда шафқатсиз душманларинг
Бирданига чанг каби учиб кетади,
Тўсатдан бўрондаги хас–чўпдай
Улар тўзиб кетади.
6 Келаман Мен, Сарвари Олам, гумбур–гумбур,

Зилзила, шовқин–сурон, довул,
Бўрону ютиб юборувчи аланга билан.
7 Эй Қуддус*, сизга қарши чиққан халқлар йўқ бўлиб кетади.
Сизнинг қалъангизга ҳужум қилган ваҳший элатлар
Тундаги туш каби ўтиб кетади.
8 Ҳа, оч одам тушида овқат еса ҳам,
Уйғонганда, очлигича қолаверади.
Чанқаган одам тушида сув ичади–ю,
Чанқоғи қонмасдан уйғонади.
Эй Сион тоғи, сизга қарши чиққан
Жамики элатлар ҳам шу аҳволга тушади.”

9 Қулоғингизни кар қилинг, донг қотиб қолинг,
Кўзингизни кўр қилинг, кўрмас бўлинг,
Маст бўлинг, аммо шаробдан эмас,
Гандираклаб юринг, аммо бўзадан эмас.
10 Эгам сизни қаттиқ ухлатиб қўйди,
Эй пайғамбарлар, Эгам кўзларингизни уйқуга бостирди.
Эй валийлар, Эгам бошу кўзларингизни ўраб қўйди.

11 Мана, бу ваҳийнинг ҳаммаси сизлар учун муҳрланган ўрама қоғоздай* бўлиб қолди. Бу ўрама қоғоз ўқий оладиганларга берилиб: “Буни ўқинг!” деб буюрилса, улар: “Йўқ, муҳрланган экан”, дейдилар. 12 У ўқий олмайдиганларга берилиб: “Буни ўқинг”, деб айтилган бўлса, улар: “Биз ўқишни билмаймиз”, деб жавоб берадилар.

13 Ҳа, Раббий айтди:
“Бу халқ фақат сўздагина Менга яқинлашади,
Тилидагина Мени иззат қилади,
Юраклари эса Мендан узоқдир.
Улар инсон яратган қоидалари орқали
Менга сажда қилишади.
14 Мана, Мен шундай бир иш қиламанки,
Бу халқ ҳайратда қолади,
Лол бўлиб, донг қотади.
Донолари донолигидан маҳрум бўлади,
Идроклилари идрокидан айрилади.”

15 Ҳолингизга вой!
Эгамиздан режаларингизни яширяпсиз,
Ишларингизни қоронғиликда қиляпсиз.
“Ким бизни кўрарди, ким бизни биларди?” дейсиз.
16 Ҳаммасини ағдар–тўнтар қиляпсиз,
Ахир, кулолни лойга тенглаштириб бўладими?!
Наҳотки буюм ўзини яратганга:
“Мени яратганинг йўқ”, деб айтса?!
Наҳотки идиш кулолга:
“Сен тушунмайсан”, деб айтса?!

Келажакка умид

17 Мана, қисқа вақт ичида

Лубнон ўрмони* далага айланади.
Дала эса қалин ўрмон бўлади.
18 Ўша куни китобдаги сўзларни карлар эшитар,
Кўрларнинг кўзлари зулматда нур кўрар.
19 Бечораларга Эгам янги қувонч ато этади,
Исроил халқининг Муқаддас Худоси туфайли
Муҳтожлар шод бўлади.
20 Золимлар то абад йўқ бўлади,
Мазахчилар ҳалок бўлади,
Ёмонлик истовчилар қириб ташланади.
21 Улар одамларга туҳмат ёғдирар,
Ҳакамларга тузоқ қўяр,
Солиҳларни адолатдан маҳрум қилар.

22 Шу боис Иброҳимни қутқарган Эгам
Ёқуб хонадони тўғрисида шундай деб айтмоқда:
“Ёқуб насли энди ҳеч қачон шарманда бўлмайди,
Қўрқувдан унинг ранги оқармайди.
23 Исроил халқи Мен бунёд этган фарзандларини кўрганда
Улар Менинг номимни муқаддас деб билади,
Мени — Ёқуб наслининг Худосини муқаддас деб тан олади.
Ҳа, Мен, Исроил Худосининг ҳузурида ҳайратда туради.
24 Йўлидан адашганлар ўшанда тушуниб етади,
Нолиганлар йўл–йўриқларимни ўрганади.”

30–БОБ

Мисрдан ёрдам кутиш бефойда

1 Эгам айтар: “Эҳ, итоатсиз халқим!
Уларнинг ҳолига вой!
Мансиз маслаҳатлар қилишади.
Сулҳлар тузади, лекин Менинг Руҳим йўқ–ку уларда!
Ҳа, халқим гуноҳ устига гуноҳ орттираверади.
2 Ахир, Мендан сўрамасдан Мисрга боряптилар,
Фиръавндан паноҳ сўраяптилар,
Мисрдан бошпана истаяптилар.
3 Аммо фиръавннинг ҳимояси уларга шармандалик бўлади,
Мисрнинг бошпанаси уларни уятга қолдиради.
4 Мана, халқимнинг аъёнлари Зўванга етиб келдилар,
Элчилар Ханесга* кириб келдилар.
5 Лекин уларнинг ҳаммаси шарманда бўлади,
Ахир, Миср уларнинг халқига ёрдам бермайди.
Ҳеч қандай мадад, фойда йўқ,
Улар шарманда бўлиб, таъна тагида қолади.”

6 Нагав чўлидаги ҳайвонлар ҳақида башорат:

Элчилари эшагу туяларга хазиналарини ортиб,
Мисрга олиб кетмоқда.
Ваҳимали саҳро бўйлаб секин

Миср томон бормоқда.
Улар бормоқда шерлару заҳарли илонлар
Яшайдиган саҳро бўйлаб.
Аммо Миср уларга ёрдам бермайди.
7 Миср берган мадад бекор, фойдасиз,
Шу боис Мен Мисрни
“Жим ўтирган Раҳоб*” деб атайман.

Исроил итоат этишдан бош тортади

8 Эгамиз айтар: “Энди бор, сўзларимни бир лавҳага ёзиб,
Бу халқ учун китоб қилиб бер.
Бу келгуси вақтлар учун бўлсин,
Ёзилганлар то абад бўлсин.”
9 Улар исёнкор халқ, ёлғончи болалар!
Эгасининг йўл–йўриқларига
Қулоқ солишни рад этган болалар улар.
10 Улар валийларга айтар:
“Энди ваҳий кўрманглар.”
Улар пайғамбарларга айтар:
“Бизларга ҳақиқий башоратларни айтманглар.
Бизга ширин сўзлару сохта ваҳийлар айтинг.
11 Бу йўлдан юрманг энди! Қайтинг бу йўлдан.
Исроил халқининг Муқаддас Худоси ҳақида энди
Эшитмайлик ҳеч бир нарса!”

12 Шу боис Исроил халқининг Муқаддас Худоси айтар:
“Сизлар Менинг сўзларимни рад қилдингиз,
Зулмга, ёлғонга умид боғладингиз,
Уларга ишондингиз.
13 Шу боис сизлар учун бу гуноҳингиз
Ёрилган, шишиб кетган девор каби бўлади.
Бирдан, бир лаҳзада қулаб тушади.
14 Сопол идиш каби, у парча–парча бўлиб кетади.
Шунчалик эзилиб кетадики,
Ўчоқдан чўғ ёки ҳовуздан сув олгани
Бирон парчасини ҳам топиб бўлмайди.”

15 Эгамиз Раббий, Исроил халқининг Муқаддас Худоси шундай демоқда:
“Менга қайтсангиз нажот топасиз,
Ҳаловатли бўлсангиз қутқариласиз.
Сокинлигу ишончингиз сизнинг кучингиз бўлади.
Аммо сизлар буни хоҳламадингиз.
16 Айтдингизки: «Йўқ, отларга миниб учиб кетамиз»,
Мана энди отларга миниб учиб кетасиз!
Айтдингизки: «Учқур отларга миниб кетамиз»,
Энди эса сизни таъқиб қиладиганлар учқур бўлади!
17 Қаранглар, халқингиздан беш–олтитаси қолмагунча
Бир кишининг таҳдиди мингтангизни қочиради.
Беш кишининг таҳдиди ҳаммангизни қочиради.
Аммо қолганлар тепаликдаги байроқ дастасидай бўлади.

Улар тоғ чўққисидаги байроқ каби ишора бўлади.”

18 Шунинг учун Эгам кутмоқда,
Сизларга шафқат кўрсатай деб.
Мана У қўзғалмоқда,
Ўз меҳрини кўрсатай деб.
Ахир, Эгам адолатли Худодир.
Унга умид боғлаганлар бахтиёрдир.

19 Эй Қуддусда макон қилган Сион халқи! Сизлар энди йиғламайсизлар. Фарёдингизни эшитиб, Эгам албатта марҳамат кўрсатади. Овозингизни эшитиб, жавоб беради. 20 Раббий сизларга кулфатни нон қилиб, қайғуни сув қилиб берса ҳам, энди Ўша Устозингиз Ўзини яширмайди. Сизлар ўз кўзларингиз билан Уни кўрасизлар. 21 Сизлар ўнгга ёки чапга бурилганингизда, шундай овозни эшитасизлар: “Мана йўл, шу йўлдан юринглар.” 22 Кейин ҳамма кумуш бутлар, олтин тасвирларингизни йўқ қилиб ташлайсиз. Сиз ўша нарсаларни ифлос латта–путтадай улоқтириб ташлайсиз. “Эй даф бўл кўзимдан!” дейсиз ўша нарсаларга.

23 Эгам ерга эккан уруғингизга ёмғир беради. Ердан келадиган озиқ–овқат мўл, баракали бўлади. Ўша куни чорвангиз кенг яйловларда ўтлайди. 24 Тупроққа ишлов берган ҳўкиз, эшаклар энг яхши емни ейдилар. 25 Ўша куни, душманларингиз ўлдирилган, миноралар қулаган куни ҳар бир тоғдан, ҳар бир тепаликдан ирмоқ оқиб тушади. 26 Ой қуёшга ўхшаб нур сочади. Қуёш эса етти баробар кўпроқ нур беради, етти кунлик ёруғлигини сочади. Эгам Ўз халқининг яраларини боғлаб, Ўзи келтирган жароҳатларга шифо берган кун шундай бўлади.

Эгамиз Оссурияни жазолайди

27 Ана, Эгамизнинг Ўзи узоқдан келмоқда,
Қалин булут ичида*, ғазабга миниб келмоқда.
Лаблари ғазабга тўла,
Тили — ямламай ютадиган оловдай.
28 Унинг нафаси бўйингача келадиган
Тошқин дарёга ўхшар,
У халқларни ҳалокат элагида элайди.
У элатларнинг оғзига сувлуқ солади–да,
Уларни йўлдан адаштиради.

29 Сизлар эса муқаддас байрам* оқшомидагидай қўшиқлар куйлайсиз. Эгамизнинг тоғига*, Исроил халқининг Қоясига най садолари остида бораётганлардай юракларингиз шодликка тўлади. 30 Эгамиз Ўз улуғвор овозини эшиттиради. Ҳа, қўлининг зарбаси оғирдир. Унинг кучли ғазаби, ямламай ютай деган оловга ўхшайди. Ҳа, Унинг ғазаби бўрону довул, момақалдироқ кабидир. 31 Эгамиз ҳассаси билан Оссурияни уради. Ўз овози билан уни даҳшатга туширади. 32 Эгамиз қайта–қайта Оссурияни доира ва арфа садолари остида ҳассаси билан жазолайди. Эгамиз Ўз қўлининг зарби билан жанг қилиб, улар билан уришади. 33 Тофат* аллақачон тайёрланган. Ҳа, у ҳатто Оссурия шоҳи учун ҳам тайёр турибди. Бу кенг чуқурда алангаю ўтин мўл–кўл. У ерда Эгамизнинг нафаси вулқондан чиққан олов каби ёндиради.

31–БОБ

Мисрнинг кучига ишонма

1 Мисрдан ёрдам сўраб борганларнинг ҳолига вой!
Улар чопқир отларига ишонадилар,
Жанг араваларининг кўплигию
Кучли отлиқларга умид боғлайдилар.
Исроил халқининг Муқаддас Худосига эса
Назар ҳам ташламайдилар,
Эгамизга юз бурмайдилар.
2 Доно Эгамизнинг гапига улар кирмайдилар.
Эгамиз фосиқларнинг хонадонига қарши қўзғалади,
Бадкирдорларга ёрдам берганларга қарши туради.
Уларнинг бошига кулфат келтиради,
Айтган сўзларини У қайтиб олмайди.
3 Мисрликлар Худо эмас, инсонлардир,
Уларнинг отлари руҳ эмас, танадир.
Эгамиз уларга қарши қўл кўтарганда,
Мададкор қоқилади,
Мададга зор йиқилади.
Иккови биргаликда ҳалок бўлади.

4 Ҳа, Эгам менга айтмоқда:
“Кучли шер қўйни бўғизлаганда,
Чўпонлар шовқин–суронига эътибор бермас,
Уларга ҳатто назар ҳам ташламас.
Шу сингари, Мен, Сарвари Олам,
Сион тоғида — ўша тепаликда
Жанг қилишга келаман.
5 Ўз ини устида учаётган қуш каби,
Мен, Сарвари Олам, Қуддусни қўриқлайман.
Мен Қуддусни қўриқлаб, озод қиламан,
Ҳимоя қилиб, нажот бераман.”

6 Эй Исроил халқи! Гарчи сизлар шу қадар фосиқ исёнчи бўлсангиз ҳам, энди Эгамизга қайтинг! 7 Ҳа, ўша куни ҳар бирингиз олтин бутлар ва кумуш тасвирларни рад этасиз. Уларни гуноҳкор қўлларингиз билан ясаган эдингиз.

8 Оссурия вайрон бўлади, аммо инсоннинг қиличидан эмас.
Худонинг қиличи Оссурияликларни уради.
Оссурияликлар ваҳимага тушиб қочадилар.
Кучли, ёш йигитларини қул қилиб олиб кетадилар.
9 Оссуриянинг суянган қояси* ваҳима ичида қочади,
Лашкарбошилари жанговар байроқдан қўрқиб, қочиб кетади.
Ҳа, Эгамизнинг алангаси Қуддусда,
Унинг ўчоғи Сиондадир.
Эгамизнинг каломи шудир.

32–БОБ

Солиҳлик ҳукмронлик қилади

1 Ана, шоҳ солиҳлик билан ҳукмронлик қилади,
Ҳукмдорлар адолат билан бошқаради.
2 Ҳар бир одам шамолдан асрайдиган паноҳдай бўлади,
Бўрондан сақлайдиган бошпана каби бўлади.
Улар саҳродаги сув ўзанига ўхшайди,
Ташна ердаги улкан қоянинг соясидай бўлади.
3 Кўриб турганлар энди кўз юмиб юрмайди,
Қулоғи борлар энди қулоқ солади.
4 Идроксизнинг ақли англайдиган бўлади,
Дудуқ одамнинг тили равон бўлади.
5 Аҳмоқни энди аслзода деб чақирмайдилар,
Ярамасни, ҳурматга сазовор, деб айтмайдилар.
6 Мана, аҳмоқ калтафаҳмлик билан гапиради,
Фикри–зикри эса ёвузлик билан банд.
Қилганлари — нопоклик,
Эгам ҳақида хато гапиради.
Оч одамни у очлигича қолдиради,
Чанқаганга сув бермайди.
7 Баттолнинг усуллари ёвуздир,
У ёмонликлар режалаштиради,
Ёлғон гап–сўзлари билан
Фақирнинг ҳақ даъвосини йўққа чиқариб,
Бечорани нобуд қилади.
8 Олижаноб одамлар эса яхши режалар тузади,
Яхши ният қилиб, ўз сўзида туради.

Қуддус аёллари тўғрисида башорат

9 Эй сиз, беғам аёллар,
Туринглар, Менга қулоқ солинглар!
Эй сиз, ўзига ишонган қизлар,
Менинг гапларимни эшитинглар!
10 Эй сизлар, бепарво юрганлар,
Бир йил ўтар–ўтмас титрай бошлайсиз.
Узум ҳосили яхши бўлмайди,
Мева ҳосил бермайди.
11 Қўрқинг, эй сиз, беғам аёллар,
Қалтиранг, эй ўзига ишонган қизлар!
Тавба қилиб, кийимингизни ечиб ташланг.
Қанорга ўраниб, белингизни боғланг!
12 Кўкрагингизга уриб йиғланг
Ажойиб далаларингиз,
Серҳосил узумзорларингиз учун!
13 Халқимнинг ери учун йиғланг!
У ерни тикан, янтоқ буталари босиб кетади.
Ҳа, шодликка тўла бўлган уйлар учун,
Қувноқ шаҳар учун аза тутинг!
14 Мана, сарой ташландиқ бўлиб қолди,

Гавжум шаҳар саҳрога айланди.
Қалъаю минора то абад
Ёввойи эшаклар яйрайдиган жой,
Чорва учун яйлов бўлди.
15 Токи юқоридан устимизга
Руҳ ёғилмагунча шундай бўлади.
Ундан кейин саҳролар серҳосил далага айланади,
Серҳосил дала ўрмон сифат бўлади.
16 Шунда одиллик саҳрода макон қилади,
Солиҳлик серҳосил далада маскан қилади.
17 Солиҳлик меваси тинчлик бўлади,
Солиҳлик самараси то абад хотиржамлик, ишонч бўлади.
18 Халқим яшайди сокин жойларда,
Бехавотир уйларда, хотиржам масканларда.
19 Ўша ўрмонни дўл яксон қилади,
У шаҳар эса тамомила йўқ бўлади.
20 Шундай бўлса ҳам, нақадар бахтлисиз!
Ирмоқлар бўйида экин экасиз.
Чорваю подангиз яйловларни кезиб юради.

33–БОБ

Нажот ва умид ҳақида башорат

1 Эй таланмаган талончи! Ҳолингга вой!
Эй хиёнатни татимаган хиёнаткор! Ҳолингга вой!
Роса талаб бўлганингдан сўнг,
Ўзингни талон–тарож қиладилар.
Хиёнатни бас қилганингда,
Сенга хиёнат қиладилар.

2 Эй Эгамиз, бизга марҳамат қил,
Биз Сенга умид боғлаймиз.
Бизга ҳар куни куч ато қил,
Кулфат чоғи эса бизга нажот бер.
3 Гумбурлаган овозингдан халқлар тарқаб кетар,
Сен қўзғалганингда элатлар қочиб кетар.
4 Чигирткалар* йиғилгандай ўлжаларинг йиғилар,
Чигирткалар уюми каби, ўлжаларингни талон–тарож қилишар.

5 Эгамиз юксалгандир. Ҳа, Унинг маскани юксакда.
Тўлдиргандир У Қуддусни* адолату солиҳлик ила.
6 Эй Қуддус, У кунларингиз тинчлигини маҳкам тутади,
Унинг Ўзи нажот, илм–маърифат, доноликнинг бой манбаидир.
Эгамиздан қўрқиш сизларнинг хазинангиздир.

7 Ана қаранг! Яҳудонинг жасур йигитлари
Кўчаларда фарёд қилади,
Тинчлик элчилари* аччиқ–аччиқ йиғлайди.
8 Катта йўллар ҳувиллаб қолган,
Бу йўллардан юрмайди ҳеч кимса,

Аҳдлар бузилди, шаҳарлар вайрон бўлди*,
Инсон ўз қадрини йўқотди.
9 Юрт аза тутди, азоб чекди.
Лубнон ўрмонлари иснодга қолиб, қуриб қолди.
Шарон текислиги* саҳрога ўхшаб қолди,
Башан*, Кармил тоғидаги дарахтларнинг япроқлари қолмади.

10 “Энди қўзғаламан,
— демоқда Эгамиз. —
Энди Мен юксаламан,
Ҳа, Ўзимни баланд кўтараман.
11 Сизлар эса сомонга ҳомиладор бўлгандай,
Фойдасиз поялар туққандай бўласиз.
Руҳингиз сизларни олов каби еб битиради.
12 Халқлар ёниб, кул бўлади,
Кесилиб, оловга ташланган тикандай бўлади.
13 Эй узоқдагилар, Менинг қилганларимни эшитинг,
Эй яқиндагилар, қудратимни билиб олинг!”

14 “Орамизда ким ямламай ютадиган олов билан тура олади?
Орамиздаги ким ёниб битмас аланга ёнида қола олади?” дея
Қуддусда гуноҳкорлар ваҳимага тушди,
Нопокларни қўрқув эгаллаб олди.
15 Мана, қаранг солиҳ яшаётганларга!
Улар тўғри гапни гапиради,
Тамагирлик фойдасидан юз ўгиради,
Пора олишдан қўлларини тияди.
Қотилларнинг фитналарига қўшилмайди,
Кўзларини ёвузлик жалб қила олмайди.
16 Ҳа, шундайларнинг маскани юксакларда бўлади,
Тоғлардаги қоялар бошпанаси бўлади.
Нону суви ҳеч қачон етмай қолмайди.

17 Мана, кўзларингиз улуғвор шоҳни,
Кенг ёйилган юртни кўради.
18 Шунда ўтмишдаги қўрқувни эслаб, дейсиз:
“Қани экан ўша бош лашкарбоши?
Қани ўша ўлжаларни ўлчаган одам?
Қани энди миноралари санаганлар?”
19 Сизлар тилларини тушунмайдиган,
Гапларини англамайдиган,
Ўша такаббур халқни энди кўрмайсиз!

20 Мана, қаранг Қуддусга!
Байрамларимиз шаҳрига боқинг.
Ўз кўзларингиз билан Сионни,
Ўша осуда масканни кўрасиз.
Бу чодир ҳеч қачон кўчмайди,
Унинг қозиқлари сурилмайди,
Бironта арқони узилмайди.

21 Ҳа, у ерда қудратли Эгамиз бизнинг Шоҳимиз бўлади,
У ерда кенг дарёлару ирмоқлар бўлади.
Эшкакли уруш кемалари кечиб ўта олмайди,
Елканли жанг кемалари ҳам у ерда суза олмайди.
22 Ахир, Эгамиз ҳукмронлик қилади,
Унинг Ўзи қонун–қоидани ўрнатади.
Эгамиз бизнинг Шоҳимиздир,
Унинг Ўзи бизга нажот беради.

23 Кемангизнинг мачтаси мустаҳкам эмас,
Унинг арқонлари заифлашган,
Унинг елкани ёйилмайди*.
Сўнг мўл–кўл ўлжа бўлинади,
Ҳатто чўлоқ ҳам ўлжага шерик бўлади.
24 Орангизда ҳеч кимса, “Мен хастаман”, демайди,
Қуддусдагиларнинг гуноҳлари кечирилади.

34–БОБ

Эгамиз элатларни жазолайди

1 Эй элатлар, яқинроқ келинг, қулоқ солинг!
Эй халқлар, диққат қилинг!
Эшитинг, эй замин, заминдаги бор жонзот!
Оламу унинг маҳсули, эшитинг!
2 Ҳа, Эгамиз бутун элатлардан ғазабда,
Уларнинг лашкарларига қаҳри келди.
Эгамиз уларни тамомила қириб ташлайди.
Уларни бўғизлашга ҳукм этган.
3 Мурдалари кўмилмай қолиб кетади,
Жасадларидан қўланса ҳид анқийди,
Уларнинг қони қирларда дарё бўлиб оқади.
4 Самодаги ҳамма юлдузлар чириб кетади,
Осмон ўрама қоғоздай* эшилиб кетади.
Токдан қуриб тушган барглар сингари,
Дарахтидан тўкилган анжир сингари,
Самовий жисмлар тўкилиб кетади.

5 Эгам айтар: “Ҳа, самоларда Менинг қиличим пайдо бўлди*.
Мана, у Эдомга*,
Мен ҳалокатга ҳукм қилган халқнинг бошига тушади.”

6 Эгамизнинг қиличи қонга булғанган.
Қўзилар, эчкилар ёғига, қонига,
Қўчқор буйрагининг ёғига тўйган.
Ҳа, Бозрах шаҳрида* Эгамизга қурбонлик бор,
Эдом юртида катта қирғин бошланади.
7 Ёввойи буқалар, новвослар, катта ҳўкизлар ҳам
Улар билан бирга қирилиб кетади.
Уларнинг ери қон билан суғорилади,
Тупроғи ёғни шимиб олади.

8 Ҳа, бу кун Эгамизнинг қасос кунидир.
Қуддус* учун Эгамиз қасос оладиган йилдир бу.
9 Эдом ирмоқлари қатронга айланади,
Тупроғи олтингугуртга айланади,
Бутун юрт эса аланга ичида қолади.
10 Аланга кечаю кундуз ўчмайди,
Тутун абадий кўтарилаверади.
Бу юрт авлодлар оша
Вайрона бўлиб қолаверади.
Ҳеч ким уни то абад босиб ўтмайди.
11 У ер бойқушлару кирпиларнинг мулки бўлади,
Уккию* қарғалар у ерда макон қилади.
Ҳа, Эгамиз бу юртни ўлчаб,
Вайронаю харобага лойиқ топди.
12 Бу юртда аслзодалар йўқ энди,
У ердан бирорта шоҳ чиқмайди,
Барча шаҳзодалари йўқ бўлиб кетади.
13 Қалъаларида тиканлар ўсади,
Саройларида янтоқлар, қушқўнмас буталар битади.
У ер чиябўриларга маскан бўлади,
Туяқушларнинг бошпанаси бўлади.
14 Ёввойи мушуклару сиртлонлар
Бир–бирига дуч келади,
Ёввойи эчкилар бир–бирини чақириб маърайди,
У ерда тун шарпалари дам олади,
Ўша ер уларга оромгоҳ бўлади.
15 Илонлар* у ерда ин қуриб, тухум қўяди,
Соя жойларда болаларини йиғади.
Қузғунлар у ерда жуфтланиб тўпланади.
16 Мана, Эгамизнинг китобидан* топиб, ўқинг:
Ҳайвонлару қушлардан бирортаси йўқ бўлмайди,
Уларнинг ҳаммаси жуфт–жуфт бўлади,
Эгамизнинг Ўзи шундай амр этган,
Унинг Руҳи ҳаммасини тўплади.
17 Эгамиз қуръа ташлаб, ҳар бирининг улушини берди,
Арқон билан ўлчаб, юртни уларга бўлиб берди.
Бу юрт то абад уларнинг мулки бўлади,
Авлодлар оша улар бу ерда яшайди.

35–БОБ

Нажот топишга умид

1 Чўлу биёбон шод бўлади,
Саҳро қувониб, атиргулдай гуллайди.
2 Ҳамма ёқда гул–чечаклар очилади,
Чўл шодланиб, қувончдан ҳайқиради.
Лубноннинг чиройи, Кармил тоғининг,
Шарон текислигининг* улуғворлиги Унга берилади.

Улар Эгамизнинг шуҳратини,
Худойимизнинг улуғворлигини кўради.

3 Қўллари чарчаганларга далда бергин,
Тиззалари букилганларга мадад бергин.
4 Қўрқоқ юракларга шундай деб айтгин:
“Дадил бўлинг, қўрқманг!
Мана, Худойингиз!
Қасос келмоқда илоҳий интиқом ила,
Унинг Ўзи сизларга нажот беради.”

5 Ўша пайтда кўрларнинг кўзлари очилади,
Карларнинг қулоқлари эса эшитади.
6 Чўлоқ ҳам оҳудай сакрайди,
Соқов шодликдан ҳайқиради.
Мана, ахир, саҳрода сув шариллаб оқмоқда,
Чўл жойлар эса ирмоқларга тўла.
7 Қизиб ётган қум ҳовузга айланади,
Қақраган ер қайнаётган булоқ бўлади.
Олдин чиябўрилар яшаган масканларда
Энди майса, қамиш, папируслар ўсади.

8 Ўша ердан катта йўл ўтади,
Муқаддас Йўл деб аталган йўл бўлади.
Нопоклар у йўлга қадам босмайди,
Бу йўл мана шу йўлдан юрадиганларга қарашлидир.
Бу йўлдан юрадиганлар,
Ҳатто идроксизлар ҳам адашмайди*.
9 У ерда шер бўлмайди.
Йиртқич ҳайвон юрмайди.
Улар бу ерда топилмайди.
Ҳа, фақат нажот топганлар ўша ерда юради.
10 Эгамиз қутқарганлар қайтиб келади,
Улар қўшиқ айтиб, Қуддусга* киради.
Бошларида абадий шодлик тожи бўлади,
Шод–хуррамлик уларни қамраб олади,
Қайғу, ғамлар йўқ бўлиб кетади.

36–БОБ

Оссурия қўшини Қуддусга таҳдид солади

1 Ҳизқиё ҳукмронлигининг ўн тўртинчи йилида* Оссурия шоҳи Санхарив* Яҳудо юртига ҳужум қилди. Унинг ҳамма мустаҳкам шаҳарларини босиб олди.
2 Лахиш шаҳридан* Оссурия шоҳи ўз мулозимини катта лашкар билан Қуддусга, шоҳ Ҳизқиё ҳузурига юборди. У Юқори ҳовуз ариғи ёнида тўхтади. Бу ариқ кир ювувчининг даласига борадиган йўлда эди. 3 Шунда Хилқиё ўғли Элияқим, Шавна ва Осиф ўғли Йўх Қуддусдан чиқиб, мулозимнинг ёнига бордилар. Шоҳ Ҳизқиёнинг саройида Элияқим бош вазир бўлиб, Шавна котиб, Йўх эса мушовир бўлиб хизмат қилар эдилар.
4 Мулозим уларга шундай деди:

“Улуғ Оссурия шоҳининг шу гапларини Ҳизқиёга етказинг: «Нимангга ишоняпсан ўзи? [5] Ҳарбий маҳоратингдан ва куч–қудратингдан гапиряпсан, лекин булар қуруқ гаплар–ку! Кимингга ишониб менга итоат этмаяпсан? [6] Ҳа, сен Мисрга ишоняпсан. Лекин Миср ёриқ қамишдан қилинган ҳассага ўхшайди–ку! Унга суянсанг, қўлингга санчилади. Миср фиръавнига ишонганларнинг ҳаммаси шу аҳволга тушади. [7] Балки сизлар: ‘Биз Эгамиз Худога ишонамиз’, деб айтарсизлар менга. Ахир, Ҳизқиё ўша Эгангизнинг саждагоҳу* қурбонгоҳларини бузиб ташлаб, Яҳудо халқига ва Қуддусликларга: ‘Фақатгина Қуддусдаги қурбонгоҳнинг олдида сажда қилинглар’, деб айтган экан–ку!*»

[8] Келинглар, энди Оссурия шоҳи жаноби олийлари номидан сизлар билан бир гаров ўйнайлик. Биз сизларга икки мингта от берамиз, қани, уларни минишга одам топинглар–чи! [9] Қани, кўрайлик–чи, шоҳимнинг қуллари орасидаги энг кичик бир лашкарбошисини мағлуб қила оласизми?! Ахир, ўзингиз Мисрнинг жанг араваларию отлиқларига* умид боғлаб ўтирибсиз. [10] Қолаверса, бизни Эгангизнинг хоҳишисиз бу юртни вайрон қилишга келган, деб ўйлайсизларми? Эгангизнинг Ўзи бизга: «Ўша юртга бориб, у ерни вайрон қилинглар», деб амр берган–ку!”

[11] Элияқим, Шавна ва Йўх Оссуриялик мулозимга:

— Бу қулларингга орамийча* гапиравер, орамийчани тушунамиз. Ибронийча гапирма. Тағин девор устидагилар бизнинг гапимизни эшитиб қолмасин, — дедилар. [12] Мулозим эса шундай жавоб берди:

— Шоҳим бу сўзларни фақат ҳукмдорингизга ва сизларга гапирсин, деб мени юборибдими?! Девор устида тўпланган одамларга ҳам гапиряпман–да. Улар ҳам, сизлар каби тезакларини еб, сийдикларини ичишга гирифтор қилинган.

[13] Сўнгра у тик туриб, баланд овоз билан ибронийча гапирди: “Улуғ Оссурия шоҳининг гапларини эшитинг! [14] Шоҳ ҳазратлари шундай айтмоқда: Ҳизқиё сизларни йўлдан урмасин. У барибир сизларни қутқара олмайди. [15] «Эгамиз бизни албатта қутқаради, бу шаҳар Оссурия шоҳи қўлига таслим бўлмайди», деб Ҳизқиё сизларни Эгангиздан умидвор қилмасин.

[16] Шоҳингиз Ҳизқиёга қулоқ солманглар. Мана, Оссурия шоҳи айтмоқда: мен билан сулҳ тузиб, менинг олдимга чиқинглар. Шунда ҳар кимга ўз узумзорию анжир дарахти ҳосилидан ейишга, ўз сардобасидан сув ичишга ижозат берилади. [17] Сўнгра мен сизларни ўз ўлкангизга ўхшаган бир юртга олиб бораман. У жой буғдой, шароб, нон, узумзорларга бой юртдир. [18] Яна Ҳизқиё: «Эгамиз бизни қутқаради», деб сизларни алдамасин. Қани, қайси халқнинг худоси ўз юртини мен, Оссурия шоҳининг қўлидан қутқарибди?! [19] Хомат билан Арпад шаҳарларининг худолари қани?! Сефарвайимнинг* худолари–чи?! Бирорта худо Самарияни* менинг қўлимдан қутқара олмади–ку! [20] Жамики халқларнинг худоларидан қайси бири ўз юртини менинг қўлимдан қутқарибдики, Эгангиз Қуддусни қутқара олса?!”

[21] Аммо халқ жим тураверди. Биронтаси ҳам жавоб бермади. Чунки шоҳ Ҳизқиё: “Унинг гапига жавоб қайтарманглар”, деб фармон берган эди. [22] Шундан кейин бош вазир Элияқим, котиб Шавна ва мушовир Йўх қайғудан либосларини йиртиб, Ҳизқиёнинг олдига келдилар–да, Оссурия мулозимининг гапларини Ҳизқиёга айтиб бердилар.

37–БОБ

Шоҳ Ҳизқиё Ишаёдан маслаҳат сўрайди

1 Шоҳ Ҳизқиё буларни эшитгач, қайғудан либосларини йиртди. Қаноргаўраниб*, Эгамизнинг уйига борди. 2 У бош вазир Элияқимни, котиб Шавнани ва оқсоқол руҳонийларни Омиз ўғли Ишаё пайғамбарнинг ҳузурига юборди. Ҳаммалари қаноргаўраниб олган эдилар. 3 Улар Ишаёнинг ҳузурига бориб, шундай дедилар:

— Ҳизқиё айтяптики: “Бугун жафо чекяпмиз, жазо оляпмиз, шарманда бўляпмиз. Биз туғаётган, лекин туғиш учун мадори қолмаган аёлга ўхшаймиз. 4 Барҳаёт Худони таҳқирлаш учун Оссурия шоҳи ўзининг мулозимини юборибди. Мулозимнинг сўзларини кошкийди Эгангиз Худо эшитса–ю, ўша сўзлари учун уларни жазоласа. Энди шаҳардаги тирик қолганлар учун илтижо қилинг.”

5 Шоҳнинг айтиб юборган бу хабарини Ишаё эшитгач, 6 Ҳизқиёнинг аъёнларига шундай деди:

— Шоҳингизга шу гапларни етказинглар: “Эгамиз шундай айтмоқда: Оссурия шоҳининг қуллари Мени ҳақоратлаб айтган сўзларидан қўрқма. 7 Мен Оссурия шоҳининг юрагига ғулғула соламан, у бир миш–мишни эшитиб, ўз юртига қайтиб кетади. Унга ўз юртида ажал келтираман.”

Оссурия шоҳининг Ҳизқиёга мактуби

8 Оссурия шоҳи Санхаривнинг Лахиш шаҳридан* қайтиб кетганини эшитиб, шоҳнинг мулозими ҳам орқасига қайтди. Шоҳни Либна шаҳрига қарши уришаётган ерида топди. 9-10 Санхарив: “Ҳабашистон* шоҳи Тирҳоқо сен билан уруш қилгани отланди” деган хабарни эшитди. У Ҳабашистонга қарши жанг бошлашдан олдин Яҳудо шоҳи Ҳизқиёга яна одамлари орқали шу гапни етказди:

> “Умид қилган худойинг сени алдамасин: «Қуддус Оссурия шоҳига таслим бўлмайди», деб сени лақиллатмасин. 11 Ахир, ўзинг эшитгансан–ку! Оссурия шоҳлари ҳамма юртларни ер билан яксон қилган. Энди сен қутуламан, деб ўйлаяпсанми?! 12 Оталарим қанча халқларни хонавайрон қилди. Уларни худолари қутқармади–ку! Гозан, Хорон, Разаф аҳолиси, Талассарда яшаган Эден халқлари қутула олдими?! 13 Қани, айт–чи, Хомат шаҳрининг шоҳи қани энди?! Арпад, Сефарвайим, Хана, Иввах шаҳарларининг шоҳлари қаерда?!”

14 Ҳизқиё хабарчиларнинг қўлидан мактубни олиб ўқигач, Эгамизнинг уйига кирди. Мактубни Эгамизнинг олдида очиб, ерга ёйди ва 15 ёлвориб ибодат қилди:
16 “Эй икки каруб* орасида тахт қурган Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам! Бутун ер юзидаги шоҳликларнинг танҳо Худоси Сенсан. Осмонни ва ерни Сен яратгансан. 17 Эй Эгамиз! Қулоқ солиб, эшит. Эй Эгамиз, кўзларингни очиб, қара. Санхаривнинг ҳамма айтганларини, у барҳаёт Худони қандай ҳақоратлаганини билиб қўй. 18 Эй Эгамиз! Биз биламизки, Оссурия шоҳлари ҳамма халқларни ва уларнинг юртларини вайрон қилганлар. 19 Ўша халқларнинг худоларини оловда ёқиб, йўқ қилганлар. Чунки ўша нарсалар худолар эмас, балки инсон қўли билан ёғочдан, тошдан ясалган нарсалар эди. 20 Эй Эгамиз Худо! Энди Сен бизни Санхаривнинг қўлидан қутқаргин, токи бутун ер юзидаги шоҳликлар Сенинг танҳо Эгамиз эканингни билишсин!*”

Ишаё шоҳ Ҳизқиёга Худонинг сўзини етказади

21 Омиз ўғли Ишаё Ҳизқиёга шундай хабар юборди:

“Исроил халқининг Худоси — Эгамиз айтмоқда: «Оссурия шоҳи
Санхарив ҳақида қилган илтижоларингни эшитдим.» [22] Эгамиз унга қарши
шу сўзларни менга аён қилди:

«Бокира қиз* Қуддус сендан нафратланади,
Устингдан кулади.
Гўзал Сион* орқангдан масхара қилади,
Бошини чайқайди.

[23] Кимни ҳақорат қилдинг ўзи?
Кимни таҳқирладинг?
Кимга қўрс гапирдинг?
Киборларча боқдинг, ҳей?
Исроил халқининг Муқаддас Худосига!
[24] Хабарчиларинг орқали Мен, Раббийни ҳақорат қилдинг.
Ўзинг ҳақингда айтдингки:
‘Кўплаб жанг араваларим билан тоғ чўққиларини забт этдим.
Лубнондаги инсон қадами етмаган жойларга етиб бордим.
Энг баланд садр дарахтларини,
Энг аъло сарв дарахтларини қўпордим.
Лубноннинг энг узоқ тепаликларига,
Ҳатто энг қалин ўрмонларига етиб бордим.
[25] Мен қудуқлар қазиб,
Сувларидан ичдим.
Мисрнинг ҳамма дарёларини
Оёғим кафти билан қуритдим.’

[26] Эшитмаганмисан, эй Санхарив,
Анча олдин мўлжаллаб қўйган эдим,
Буни азалдан режа қилган эдим.
Энди амалга оширдим.
Қалъаларни вайронага айлантирсин деб,
Мен сенга куч бердим.
[27] Қўлу қаноти қирқилди шаҳар аҳлининг,
Ваҳимага тушиб, уятга қолдилар.
Улар далада ўсган ўт, янги майсалар кабидир.
Томларда ўсган майсаларга* ўхшаб,
Етилмасдан олдин қуриб қолдилар*.

[28] Сени ҳар томондан биламан, эй Санхарив!
Қачон урушга чиқиб,
Уйингга қачон қайтишингни ҳам биламан.
Биламан: Мендан ғазабдасан.
[29] Мендан қаттиқ ғазабдасан.
Манманлигинг қулоғимга етиб келди.
Энди Мен бурнингдан ҳалқамни,
Оғзингдан сувлиғимни ўтказаман*.
Келган йўлингдан сени қайтариб олиб кетаман.»

[30] Эй Ҳизқиё, мана булар сен учун нишона бўлади: бу йил ўз–ўзидан

ердан ўсиб чиққанларни тановул қиласиз. Иккинчи йили ҳам ўрнидан ўсиб чиққанини ейсиз. Учинчи йил эса уруғ экиб, ҳосил ўрасиз. Узумзорлар барпо қилиб, мевасин тановул қиласиз. 31 Яҳудо халқининг қутулиб қолганлари яна илдиз отиб, мева беради. 32 Халқнинг қолгани Қуддусдан, қутулганлари Сион тоғидан келади. Саравари Олам Ўз ғайрати билан буни амалга оширади.

33 Оссурия шоҳи тўғрисида Эгамиз шундай айтмоқда: Санхарив бу шаҳарга киролмайди, ўқлар отолмайди. Қалқони билан шаҳарга яқинлашмайди, шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдирмайди*. 34 Келган йўлидан қайтиб кетади, шаҳарга кирмайди, — деб айтмоқда Эгамиз. 35 — Ўзимнинг ҳақи–ҳурматим, қулим Довуднинг ҳақи–ҳурмати бу шаҳарни ҳимоя қилиб, сақлайман.”

36 Эгамизнинг фариштаси Оссурияликларнинг қароргоҳига бориб, 185.000 кишини ўлдирди. Эртасига уйғониб қарасалар, қароргоҳ жасадга тўлиб кетибди! 37 Оссурия шоҳи Санхарив қароргоҳни ташлаб, орқага қайтди. Ўз уйи Найнавога* қайтиб, ўша ерда яшади. 38 Санхарив ўз худоси Нисрохнинг уйида сажда қилаётган эди, ўғиллари Одраммалек билан Саризар унга қилич уриб ўлдирди. Иккови ҳам Арарат юртига* қочиб кетди. Санхаривнинг ўрнига ўғли Исархаддўн шоҳ бўлди*.

38–БОБ

Ҳизқиё касал бўлиб қолади

1 Ўша кунлари Ҳизқиё тузалмас хасталикка йўлиқиб, ўлим тўшагига ётиб қолди. Омиз ўғли Ишаё пайғамбар унинг ҳузурига келиб, шундай деди: “Эгамиз шундай айтмоқда: тайёргарлигингни кўриб қўявер, энди тузалмайсан, ўласан.”

2 Ҳизқиё юзини деворга буриб, Эгамизга ёлворди: 3 “Эй Эгам! Чин қалбимдан Сенга содиқ бўлиб, йўлларингдан юрганимни ва олдингда тўғри ишлар қилганимни эсла.” Шундай деб аччиқ–аччиқ йиғлади.

4 Шундан кейин Ишаёга Эгамизнинг қуйидаги сўзи аён бўлди: 5 “Бориб, Ҳизқиёга шундай деб айт: «Бобонг Довуднинг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: илтижоларингни эшитдим, кўз ёшларингни кўрдим. Умрингни яна ўн беш йилга узайтираман. 6 Сени ва бу шаҳарни Оссурия шоҳининг қўлидан халос қиламан. Ҳа, бу шаҳарни ҳимоя қиламан. 7 Эй Ҳизқиё! Мен, Эганг, берган ваъдамни бажараман. Мана сенга Мендан аломат: 8 ана қара! Ботаётган қуёш Охознинг зинапоясига* соя тушириб турибди. Ўша сояни ўн қадам орқага сурдираман.»”

Шундай қилиб, соя ўн қадам орқага кетди.

9 Шоҳ Ҳизқиё соғайгандан кейин қуйидаги шеърни ёзди:

10 “Мен айтдим:
Наҳотки ҳаётим чўққисида
Ўликлар диёрига* борсам?!
Умримнинг қолгани хазон бўлса?!
11 Наҳот, Эгамни энди кўрмасам?!
Ҳа, Уни кўрмасман бу ёруғ дунёда.
Тирик зотларни энди кўрмайман.
Бу дунёдагилар билан бўлмайман.
12 Чўпоннинг чодири йиғилганидай
Менинг умрим узилди,

Мендан тортиб олинди.
Умрим тўқувчининг матоси каби битди.
Унинг дастгоҳидаги ипдай
Менинг умрим ҳам қирқилди.
Эй Раббий, туну кун мени қийнайсан.
13 Тонггача фарёд қилдим,
Шердай ҳамма суякларимни синдирасан.
Эй Раббий, туну кун мени қийнайсан.
14 Қалдирғочу турнадай нола чекдим,
Мусичадай оҳ–воҳ қилдим.
Юқорига қарайвериб, кўзларим толди,
Эй Раббий, эзилдим, ёрдам бер менга!

15 Энди мен нима десам экан?!
Эгам менга нима айтган бўлса,
Унинг Ўзи ўшани қилди.
Жоним тортган бу азоблар туфайли
Умрим бўйи итоат этиб юраман*.
16 Эй Раббий, Сенинг тарбиянг яхшидир,
Чунки у ҳаёту соғликка етаклайди.
Сен менга соғлигимни қайтардинг,
Менга қайта ҳаёт бахш этдинг.
17 Мана, ҳамма қийинчилигим
Яхшиликка айланди.
Қабрдан мени сақладинг*,
Ҳамма гуноҳларимни кечирдинг.
18 Ахир, ўликлар диёри* Сенга шукур қилмайди,
Ўлим Сенга ҳамду сано айтмайди.
Қабрга борадиганлар
Сенинг садоқатингдан умид қилмайди.
19 Мана, мен Сенга шукур айтмоқдаман.
Ахир, тириклар, фақатгина тириклар
Сенга шукур айтадилар–ку!
Оталар ўзларининг фарзандларига
Сенинг садоқатингни билдирадилар.

20 Эгам мени қутқаради.
Бутун умримиз бўйи торли асбоблар ила
Эгамнинг уйида куйлаймиз.”

21 Ишаё шундай деган эди: “Анжир ширасини олиб, яранинг устига қўйинглар. Шунда Ҳизқиё соғаяди.” 22 Буни эшитган Ҳизқиё: “Эгамизнинг уйига боришимни қандай биламан? Буни нима исботлайди?” деб сўраганди*.

39–БОБ

Бобилдан келган элчилар

1 Ўша пайтларда Бобил шоҳи Баладон ўғли Мардухбаладон* шоҳ Ҳизқиёга мактублару ҳадялар жўнатди. У Ҳизқиёнинг хасталаниб, кейин соғайганини эшитганди. 2 Ҳизқиё элчиларни кўриб хурсанд бўлди. Хазинасидаги бор нарса —

омборлардаги ҳамма қимматбаҳо ашёларини, олтинни, кумушни, хушбўй зираворларни ва мойларни, бутун қурол–яроғ омборини уларга кўрсатди. Ҳизқиёнинг саройидаю ўз шоҳлигида уларга кўрсатмаган ҳеч нарсаси қолмади.

3 Ишаё пайғамбар шоҳ Ҳизқиёнинг ҳузурига келиб:

— Бу одамлар қаердан келибди? Сенга нималар деди? — деб сўради.

— Узоқ бир юртдан, Бобилдан келибдилар, — деб жавоб берди Ҳизқиё.

4 — Улар саройингда нималарни кўрди? — деб сўради Ишаё.

— Саройимдаги ҳамма нарсани кўрдилар, — дея жавоб берди Ҳизқиё. — Хазиналаримда мен уларга кўрсатмаган ҳеч нарса қолмади.

5 Шунда Ишаё айтди:

— Энди Сарвари Оламнинг сўзига қулоқ сол. 6 Эгамиз айтмоқдаки: “Бир кун келиб, саройингдаги ҳамма нарса, ота–боболарингнинг бугунгача тўплаб қолдирганлари Бобилга ташиб кетилади. Ҳеч нарса қолмайди. 7 Сенинг пушти камарингдан бино бўлган ўғилларингдан баъзилари ҳам олиб кетилади. Улар Бобил шоҳининг саройида бичилган қуллар бўлиб хизмат қилади.”

8 Ҳизқиё Ишаёга:

— Эгамиз сен орқали айтган сўзлар хосиятлидир, — деди–да, ичида: “Умрим охиригача тинч, хотиржам яшар эканман–ку”, деб ўйлади.

40–БОБ

Худонинг халқига тасалли сўзлари

1 “Юпатинг, халқимни юпатинг,
— демоқда Худойингиз. —
2 Қуддуснинг руҳини кўтариб,
Унга шундай деб айтинг:
«Азоб косанг тўлиб бўлди,
Айбларинг учун жазо олиб бўлдинг.
Ҳамма гуноҳларинг эвазига
Мен, Эгангдан икки карра жазо олдинг.»”

3 Бир овоз янграмоқда:
“Чўлда* Эгамизга йўл ҳозирланг,
Саҳрода Худойимизга тўғри йўл очинг.
4 Ҳар бир жарлик юксалади,
Ҳар бир тоғу тепалик пасаяди.
Ўнқир–чўнқир жойлар текис бўлади,
Ўйдим–чуқур ер текислик бўлади.
5 Ўшанда Эгамизнинг улуғворлиги зоҳир бўлади,
Бутун жонзот биргаликда буни кўради.
Ҳа, Эгамиз Ўз оғзи билан шуни айтди.”

6 Бир овоз: “Эълон қил!” деб айтди,
Иккинчиси: “Нимани эълон қиламан?” деб сўради*.
Биринчи овоз шундай деди:
“Инсон зотининг ҳаммаси майсадай,
Уларнинг барча содиқлиги дала гули кабидир.
7 Уларнинг устидан Эгамизнинг нафаси эсганда
Ўтлар қурийди, гуллар сўлиб қолади.
Мана, бу халқ майсанинг ўзи.

8 Ўтлар қурийди, гуллар сўлиб қолади,
Худойимизнинг каломи эса абадий туради.”

9 Эй хушхабар келтирган Қуддус,
Баланд тоққа чиқ!
Эй хушхабар келтирган Сион*,
Баланд овозда эълон қил!
Қўрқмагин, жар солгин!
Яҳудо шаҳарларига:
“Мана сизнинг Худойингиз”, деб айтгин.
10 Мана, Эгамиз Раббий қудрат ила келади,
Қудрати ила ҳукмронлик қилади.
Унинг Ўзи тақдирлайди,
Мукофотини Ўзи билан олиб келмоқда.
11 Чўпон каби, У Ўз сурувини боқади,
Қўзиларни қўлларида кўтаради.
Уларни кўтариб, бағрига босади,
Қўзилари билан бирга она қўйни
Эҳтиётлаб ҳайдаб боради.

Исроилнинг тенги йўқ Худоси

12 Ким ҳовучи ила сувларни ўлчаган?!
Ким қаричлаб осмонни ўлчаган?!
Замин тупроғини ўлчаган борми?!
Ким тоғларни тарозида тортиб кўрган?!
Тепаликларни тарози палласида тортган?!
13 Ким Эгамизнинг Руҳига* йўл кўрсата олади?!
Ким Унга маслаҳат бера олади?!
14 У кимга маслаҳат солган?!
Ким Унга насиҳат берган?!
Ким Унга адолат йўлини ўргатган?!
Унга билим берган борми?!
Идрок йўлларини Унга кўрсатган борми?!

15 Ахир, элатлар челакдаги бир томчи сувдайдир,
Улар тарози палласидаги чанг кабидир.
Мана, оролларни ҳам Эгамиз чангдай кўтаради.
16 Лубнон юртидаги ҳайвонлар қурбонликка озлик қилади,
Ўрмонларининг дарахтлари эса етарли ўтин бўлмайди.
17 Жамики элатлар Эгамиз олдида ҳеч нима эмас,
Эгамиз назарида улар арзимас, бўшлиқдир.

18 Хўш, Худони кимга ўхшатасиз?!
Унга қандай қиёфани бераркансиз?!
19 Ҳунарманд ясаган бутнинг қиёфасиними?!
Ахир, уста бутни олтин билан қоплаган.
Унга кумуш занжирлар ясаб берган.
20 Ундай қилишга қурби етмаган эса
Чиримайдиган ёғоч топади.
Моҳир устани ёллаб,

Йиқилиб тушмайдиган бут ясаттиради.

21 Билмайсизми?! Эшитмаганмисиз?!
Бошидан сизга айтилмаганми?!
Дунё пойдеворига қараб ҳам тушуниб етмайсизми?!
22 Худо осмон гумбази узра ўтиради,
Замин аҳли чигиртка кабидир.
Худо осмонни парда каби ёйган,
Одамзод макон қилсин дея, чодир каби қурган.
23 Шаҳзодаларни У пастга уради,
Замин ҳукмдорларини йўққа чиқаради.
24 Эвоҳ, улар экилиши биланоқ қуриб қолади.
Ерга ўтқазилиши биланоқ сўлиб қолади.
Илдиз отиши биланоқ қуриб қолади.
Ҳа, Эгамизнинг нафаси уларни қуритади.
Бўрон уларни сомондай учириб кетади.

25 “Мени кимга қиёслайсиз?
Ким Менга тенг кела олар?”
— деб айтади Муқаддас Худо.
26 Кўзларингизни осмонга тикинг, қаранг:
Ахир, буларни ким яратган?
Худо осмонга юлдузларни териб қўйган–ку!
Унинг Ўзи ҳар бирига ном берган–ку!
Ўзининг буюк кучи, улуғ қудрати билан
Ҳар бирини ўз жойига чиқармай қўймайди.

27 Эй Ёқуб насли, нима учун сен:
“Бошимга тушганни Эгамиз кўрмайди”, дейсан?
Эй Исроил халқи, нима учун сен:
“Машаққатларимни Худойим унутган”, деб айтасан?
28 Наҳотки билмайсан? Наҳотки эшитмагансан?
Эгамизнинг Ўзи абадий Худо–ку!
Бутун оламни У яратган–ку!
У чарчамайди, ҳолдан тоймайди,
Унинг донолигини билиб бўлмайди.
29 У толиққанга куч беради,
Заифнинг кучига куч қўшади.
30 Ҳатто ёшлар чарчайди, ҳолдан тояди,
Йигитлар қоқилиб, йиқилади.
31 Эгамиздан умид қилганлар эса
Янгидан куч олади,
Бургут сингари парвоз қилади.
Улар югуриб, чарчамайди,
Юриб ҳам ҳеч толиқмайди.

41–БОБ

Худонинг Исроил халқига берган ваъдаси

1 Эгам айтар: “Менинг олдимда сукут сақланг,

Эй денгиз ортидаги юртлар!
Халқларнинг кучи қайта тиклансин.
Улар яқинроқ келиб, гапирсинлар.
Ҳукм қилишга бирга йиғилайлик.

2 Ким шарқдан ғолиб шоҳни* чақирди?!
Ким уни Ўз хизматига чақирди?!
Ким унга элатларни бўйсундиради?!
Ким шоҳларни оёғи остида эзади?!
Ғолиб шоҳ ўз қиличи билан
Уларни чопиб ташлайди,
Ёйи билан уларни сомондай учиради.
3 Уларни таъқиб қилади,
Оёқ босмаган йўлдан юради,
Ўша жойлардан эсон–омон ўтади.
4 Бу воқеалар ортида турган ким?!
Бошидан авлодларни дунёга келтирган ким?!
Мен эмасми?!
Азалдан Мен сизнинг Эгангизман,
Охиргача ҳам Эгангиз бўламан.

5 Денгиз ортидаги юртлар
Буни кўриб, қўрқади.
Ер юзининг тўрт бурчидан титраб,
Улар яқинлашиб келади.
6 «Қўрқмагин», дея ҳамма
Бир–бирига далда беради.
7 Мана, ҳунарманд одам
Тилла устасига далда беради.
Мисгар: «Ҳа, яхши чиқди», деб
Темирчига далда беради.
Йиқилиб тушмасин деб, бутни михлаб қўяди.

8 Аммо сен–чи, эй қулим Исроил,
Эй Ўзим танлаган Ёқуб насли,
Дўстим Иброҳимнинг авлоди!
9 Сени ернинг тўрт бурчидан олиб келдим,
Ернинг олис бурчакларидан чақирдим.
Айтдимки: «Сен Менинг қулимсан,
Сени танладим, рад этмадим.»
10 Қўрқма, Мен сен билан биргаман,
Ваҳимага тушма, Мен сенинг Худойингман.
Сенга куч бераман, Ўзим ёрдамга келаман,
Ғолиб ўнг қўлим билан сени қўллайман.
11 Ҳа, сенга қарши бўлганларнинг ҳаммаси
Шармандаю шармисор бўлиб қолади,
Душманларинг йўқ бўлади, нобуд бўлади.
12 Уруш қиладиганларни излаб ҳам топа олмайсан,
Сен билан жанг қилганлар тамомила тугаб битади.
13 Мен Ўзим, Эганг Худо, ўнг қўлингни кучайтираман,

Сенга: «Қўрқма, Ўзим ёрдамга келаман» деган Менман.”

14 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Қўрқма, эй Исроил халқи, Ёқуб насли!
Сен кичкина бир чувалчангдайсан.
Аммо Ўзим сенга ёрдам бераман.
Мен, Исроил халқининг Муқаддас Худоси,
Сенинг қутқарувчингман.
15 Сендан буғдой янчадиган хўптир* ясайман,
Янги, ўткир, тишли хўптир қиламан,
Сен тоғларни янчасан, эзасан,
Тепаликларни* сомон қиласан.
16 Сен уларни совуриб ташлайсан,
Уларни шамол учириб кетади.
Бўрон уларни тўзғитади,
Сен эса Мен — Эганг туфайли севинч топасан,
Исроил халқининг Муқаддас Худоси ила мақтанасан.

17 Қашшоқлару муҳтожлар сув излар,
Аммо сув йўқ.
Оғизлари чанқоқдан қуриб кетган.
Мен, Эгангиз, уларга жавоб бераман,
Мен, Исроил халқининг Худоси, уларни тарк этмайман.
18 Яланғоч тепаликлардан дарёлар ўтказаман,
Водийлар ўртасида булоқлар очаман.
Саҳроларни сув тўла ҳовузларга айлантираман,
Қақраган ерда булоқлар очаман.
19 Чўлда садр, акас, зайтун дарахтларини,
Ҳамда мирта буталарини* ўстираман,
Саҳрода сарв, арча, қарағай дарахтларини ўстираман.
20 Мана, ҳамма кўриб билсин,
Буларни Мен, Эгангиз,
Ўз қўлим билан қилганимни улар тушунсин.
Мен, Исроил халқининг Муқаддас Худоси,
Буларни яратганимни улар англаб етсин.”

Бутлар фойдасиздир

21 Ёқуб наслининг Шоҳи — Эгамиз, шундай дейди:
“Даъволарингизни айтинг,
Исботингизни келтиринг.
22 Қани, бутларингизни олиб келинг,
Келажакда нима бўлишини
Бутларингиз айтиб берсин.
Ўтмишда бўлганларни тушунтирсин–чи!
Ўшалар ҳақида ўйлаб кўрайлик.
Охири нима бўлишини билайлик.
Ҳа, бўладиганларни бизга айтсин.
23 Эй бутлар! Келажакни бизга билдиринг,
Шунда худо эканлигингизни биламиз.
Бирон яхшилик ёки ёмонлик қилиб кўринг–чи,

Кўриб, биргаликда ваҳимага тушайлик.
24 Ахир, сизлар ҳеч нима эмассиз,
Ишларингиз эса ундан ҳам баттар.
Сизни танлаганнинг ўзи жирканчдир.

25 Мен шимолдан бир етакчи* чақирдим.
Ана, у келади.
Шарқдан келиб, Менинг номимга шуҳрат келтиради.
Ҳукмдорларни у тупроқдай оёқ ости қилади,
Кулолнинг лойидай қилиб тепкилайди.
26 Ким буни олдиндан айтибдики, биз билибмиз?!
Ким буни илгари билдирибдики, «У ҳақ эди», деб айтсак?!
Бутлар бу ҳақда гапирмади, хабар бермади,
Ҳеч ким уларнинг овозини эшитмади.
27 Мен, Эгангиз, биринчи бўлиб бу хушхабарни Қуддусга етказдим,
Сионга элчи жўнатиб, шундай деб айтишни буюрдим:
Халқинг келяпти! Улар уйларига қайтиб келишяпти!
28 Мен бутларга қарадим,
Лекин улар Менга ҳеч нарса айтмади.
Саволимга улар жавоб бермади.
29 Қаранг, бутларнинг ҳаммаси сохта,
Қилган ишлари ҳеч нима эмас,
Ҳамма бутлар шамолдай беҳуда.”

42–БОБ

Эгамиз танлаган қул

1 Эгам айтар: “Мана Менинг қулим,
Ўзим уни қўллаб–қувватлайман.
Мен Ўзим уни танлаганман.
Ундан жуда мамнунман.
Мен унга Ўз Руҳимни бердим,
У элатларга адолат келтиради.
2 У бақирмайди, қаттиқ гапирмайди,
Кўчаларда овозини баланд кўтармайди.
3 Эзилган қамишни синдирмайди,
Тутаётган пиликни ўчирмайди,
Содиқ бўлиб, адолат келтиради.
4 Ер юзида адолат ўрнатмагунча
У ҳолдан тоймайди,
Унинг жасорати сўнмайди.
Денгиз ортидаги юртлар
Унинг йўл–йўриқларини кутади.”

5 Худо, бизнинг Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мен осмонни яратиб, уни ёйганман*,
Ерни яратиб, уни тўлдирганман,
Ер юзидаги инсонларга жон ато қилганман,
Жамики одамзодга ҳаёт берганман.
6 Мен, Эганг, нажот олиб келиш учун сени чақирдим.

Мен сенинг қўлингни кучайтираман,
Ўзим сени ҳимоя қиламан.
Халқим билан тузган аҳдимни
Сен орқали амалга оширaман,
Жамики элатларга сен орқали нур сочаман.
7 Сен кўрларнинг кўзларини очасан,
Маҳбусларни зиндондан озод қиласан,
Зулматда ўтирганларни қутқарасан.
8 Мен Эгангизман!
Менинг номим шудир!
Мен шуҳратимни бировга бермайман,
Ўзимга муносиб бўлган ҳамду санони
Бутлар билан баҳам кўрмайман.
9 Мен сизларга келажакдаги воқеаларни
Юз бермасдан олдин айтяпман.
Олдин аён қилганларимга қаранг,
Ана, ўшалар бажо бўлди–ку!”

Ҳамду сано мадҳияси

10 Эгамизга янги бир қўшиқ айтинг!
Ер юзининг ҳар бир четидан
Эгамизни тараннум этинг!
Эй кемаларда сузиб келадиганлар,
Денгиздаги барча жонзотлар,
Эгамизга қўшиқ айтинг!
Эй денгиз ортидаги юртлару
Бу юртларни тўлдирганлар,
Эгамизга қўшиқ айтинг!
11 Саҳролар, у ердаги шаҳарлар хитоб қилсин,
Кедар* қишлоқларининг аҳли шод бўлсин!
Села* аҳли шодликдан куйласин,
Тоғ чўққиларидан ҳайқирсин!
12 Улар Эгамизни улуғласин,
Денгиз ортидаги юртларда ҳам
Унга ҳамду санолар айтсин!
13 Эгамиз баҳодир йигитдай олға босади,
У ғайратли жангчидай келади, хитоб қилади.
Ҳайқириб, душманларидан устунлигини кўрсатади.

Худонинг мададкор сўзи

14 Эгам айтар: “Узоқ вақт сукут сақладим,
Жим турдим, Ўзимни тутдим.
Энди эса туғаётган аёлдай
Оғир нафас оламан, фарёд қиламан.
15 Тоғу тепаликларни вайрон қиламан,
Жамики ўт–ўланни қуритаман,
Ирмоқларни қуруқ ерга* айлантираман,
Ҳатто ботқоқликларни қуритаман.
16 Кўзи ожизларни билмаган йўлларидан бошлаб бораман,
Уларни нотаниш сўқмоқлардан олиб бораман.

Кўзларидаги зулматни нурга айлантираман,
Ўнқир–чўнқир йўлларни текислайман.
Мана шу айтганларимни қиламан,
Уларни тарк этмайман.
17 Бутларга ишонганлар уятга қолади.
Ҳа, бутларни «худоларимиз» дейдиганлар
Шармандаю шармисор бўлади.

Ношуд Исроил халқи

18 Эшитинг, эй карлар,
Қаранг, кўриб қўйинг, эй кўрлар!
19 Менинг қулимдай кўр бўлган борми?!
Мен юборган хабарчидай кар бўлган борми?!
Мен танлаганларимдай кўр бўлган борми?!
Мен, Эгангизнинг қулидай кўр бўлган борми?!
20 Эй халқим! Кўп нарсаларни кўрасиз–у, эътибор бермайсиз,
Қулоқларингиз очиғу эшитмайсиз.”

21 Ўз адолати ҳақи,
Эгамиз Ўз қонунларини
Улуғ ва шарафли қилмоқни истади*.
22 Аммо бу халқ талон–тарож қилинган*,
Ҳаммаси зиндонда тутқун, қамоққа ташланган.
Улар қўлга тушди, қутқарадигани йўқ.
Улар ўлжа бўлди, “Қайтариб бер” дейдигани йўқ.
23 Қайси биринғиз буларни эшитасиз,
Эътибор бериб, ўтмишга қулоқ соласиз?!
24 Ёқуб наслини ўлжа қилиб қўйган ким?
Исроил халқини талончиларга берган–чи?
Эгамиз эмасми?!
Ахир, биз Унга қарши гуноҳ қилдик–ку!
Унинг йўлидан юришни истамадик,
Унинг йўл–йўриқларига қулоқ солмадик.
25 Шу боис Эгамиз қақшатқич ғазабини,
Шафқатсиз урушни бошингизга келтирди.
Аланга сизни ўраб олса ҳам тушунмадингиз,
Сизларни куйдирса ҳам, англаб етмадингиз.

43–БОБ

Исроил халқининг қутқарувчиси Эгамиздир

1 Энди, эй Ёқуб насли, сени яратган Эгамиз гапирмоқда!
Эй Исроил халқи, сени барпо қилган
Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мен сени қутқардим,
Сенинг исмингни айтиб чақирдим,
Сен Меникисан, қўрқма!
2 Сувлардан ўтганингда
Мен сен билан бирга бўламан.
Дарёлардан ўтганингда

Сувлар сени кўммайди.
Оловдан ўтганингда
Аланга сени ёндирмайди,
Олов тафти сени куйдирмайди.
3 Ҳа, Мен Эганг Худодирман,
Исроил халқининг Муқаддас Худоси — қутқарувчингман.
Сен учун тўлов қилиб Мисрни бердим,
Ҳабашистон*, Саво* юртларини сенинг ўрнингга бердим.
4 Кўз олдимда азизсан, қадрлисан,
Мен сени севаман.
Шу боис сенинг эвазингга одамни,
Жонинг эвазига халқларни бераман.
5 Қўрқма, Мен сен билан биргаман,
Наслингни шарқдан олиб келаман,
Сизларни ғарбдан йиғиб келаман.
6 Шимолга: «Уларни бер», дейман.
Жанубга: «Уларни ушлаб қолма», деб айтаман.
Ўғилларим узоқлардан,
Қизларим ернинг четларидан келсин.
7 Менга тегишли бўлганларни
Ўз шуҳратим ҳақи яратдим,
Ўзим ижод қилиб, уларни бино қилдим.”

8 Эгамиз шундай демоқда:
“Халқимни йиғинглар.
Кўзи бор, аммо кўр бўлган,
Қулоғи бор, аммо кар бўлган халқимни тўпланглар.
9 Жамики элатлар бирга йиғилсин.
Қани, халқлар келиб қўшилсин.
Уларнинг орасидан ким буни айтиб беради?!
Ўтиб кетган нарсаларни ким бизга билдиради?!
Гувоҳларини чақириб, ҳақлигини исботласин,
Бошқалар эшитиб: «Бу тўғри», деб айтсин.”
10 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Сизлар Менинг шоҳидимсизлар,
Сизлар Менинг қулимсизлар.
Мени билсин, Менга ишонсин, деб
Танҳо Худо Мен эканлигимни билсин, деб
Сизларни танладим.
Мендан олдин бирон худо бўлмаган,
Мендан кейин ҳам бўлмайди.

11 Мен Эгангизман!
Ёлғиз Мен Эгангизман,
Мендан бошқа қутқарувчи йўқ.
12 Мен Ўзим айтдим, қутқардим, билдирдим,
Орангизда бошқа бирон худо йўқ.”
Эгамизнинг каломи шудир:
“Мен Худоман, сизлар Менинг шоҳидларимсиз.
13 Ҳа, азалдан буён Мен Ўшаман,

Ҳеч ким Менинг қўлимдан қутула олмайди.
Мен қилганимни ким бекор қила олади?!”

Эгамиз Исроилни Бобилликлардан қутқаради

14 Исроил халқининг Муқаддас Худоси, қутқарувчингиз —
Эгамиз шундай демоқда:
“Сизларни деб Бобил устига лашкар юбораман,
Ўзлари фахрланган кемаларда
Бобилликлар* қочишга мажбур бўладилар.
15 Мен Муқаддас Худойингиз — Эгангизман,
Исроил халқининг Яратувчиси — Шоҳингиз Менман.”

16 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен денгизни бўлиб, йўл очдим,
Баҳайбат сувлар ичра сўқмоқ қилдим*.
17 Жанг араваларию отларни,
Лашкару жангчиларни олиб чиқдим.
Ана улар ётибдилар, турмайдилар.
Пиликдай милтираб, ўчиб қолганлар.

18 Ўтмишдагиларни ёдга олманг,
Қадимгиларни ўйлайверманг.
19 Мана, Мен янги бир иш қиляпман.
Шу пайтнинг ўзидаёқ содир бўляпти! Кўрмаяпсизми?!
Мен саҳрода йўллар очаман,
Ҳа, чўлда дарёлар яратаман.
20 Ҳатто ёввойи ҳайвонлар Мени улуғлайди,
Чиябўри, туяқушлар ҳам Мени шарафлайди.
Зотан, танлаган халқимга сув берай дея,
Саҳрога сувлар юбордим,
Чўлда дарёлар яратдим.
21 Бу халқни Ўзим учун яратганман.
Улар Менга ҳамду сано айтсинлар.

Исроил халқининг гуноҳлари

22 Сен эса, эй Ёқуб насли, Менга сажда қилмадинг!
Эй Исроил халқи, сен Мендан безор бўлдинг!
23 Сен Менга қўйларингни атамадинг,
Уларни куйдириладиган қурбонлик қилмадинг.
Мени улуғлаш учун қурбонликлар келтирмадинг.
Мен назр–қурбонликларни сендан
Меъёридан кўп талаб қилмадим–ку!
Хушбўй тутатқиларни сендан
Ортиғи билан сўрамадим–ку!
24 Сен Менга хушбўй қамиш сотиб олмадинг.
Қурбонликлар ёғини келтирмадинг,
Мени рози қилмадинг.
Эвоҳ, гуноҳларинг билан Менга юк бўлдинг,
Айбларинг билан Мени чарчатдинг.

25 Ўзимнинг ҳақи–ҳурматим

Айбларингни кечирадиган Менман.
Гуноҳларингни ёдга олмайман.
26 Қани, бирга даъволашайлик.
Гапир! Айбсизлигингни исботла–чи!
Ёдимга сол–чи!
27 Ахир, энг катта бобонг* гуноҳ қилганди.
Пайғамбару руҳонийларинг Менга қарши чиққанди.
28 Шу боис муқаддас масканнинг
Бошлиқларини ҳаром қиламан.
Ҳа, Ёқуб наслини ҳалокатга,
Исроил наслини ҳақоратга ҳукм этаман.”

44–БОБ

Худо Исроил халқини марҳаматлайди

1 Эгам айтар: “Энди эшит, эй қулим Исроил!
Эй Ёқуб насли! Мен сени танлаганман.
2 Мен, Эганг, сени яратганман, онанг қорнида сенга шакл берганман.
Сенинг мададкоринг, Мен, шундай айтмоқдаман:
«Қўрқма, эй азиз Исроил!*
Эй Ёқуб насли, Мен сени танлаганман.
3 Чанқоқ ерга Мен сув бераман,
Қақраган тупроқда ирмоқлар оқизаман.
Наслингга Руҳимни бераман,
Зурриётинг устига Ўз баракамни ёғдираман.
4 Улар оқар сув бўйидаги тол дарахти каби,
Майсалар орасидан ўсиб чиқади.
5 Бири: ‘Мен Эгамникиман’, деб айтади,
Бошқаси Исроил халқига* қўшилай деб келади.
Яна бири қўлига ‘Эгамники’ деб ёзади–да,
Исроил халқининг бириман, деб айтади.»”

Бутпарастлар аҳмоқдир

6 Исроил халқининг Шоҳи, уларнинг қутқарувчиси,
Сарвари Олам — Эгамиз шундай айтмоқда:
“Биринчию охирги Мен Ўзимман,
Мендан бошқа Худо йўқ!
7 Ким Менга ўхшайди? Қани, гапирсин–чи!
Қадимий халқни яратганимдан бери
Нима бўлганларини бошдан айтиб берсин!
Келажакда нима бўлишини билдирсин.
8 Ваҳимага тушманг, қўрқманг!
Мен сизларга нима бўлишини
Олдиндан эълон қилдим–ку!
Сизлар Менинг гувоҳларимсиз!
Мендан бошқа Худо борми?!
Йўқ, бошқа Қоя йўқ.
Мен бошқа ҳеч бирини билмайман!

9 Бут ясайдиганларнинг ҳаммаси ҳеч нарсадайдир. Хуш кўрган бутлари ҳеч

фойда келтирмайди. Ўша бутларнинг гувоҳлари кўр, жоҳилдир. Шунинг учун улар шарманда бўлиб қолади! 10 Ахир, ким фойдасиз худоларнинг тасвирларини ясайди?! 11 Ҳали ўша бутпараст дўстларнинг ҳаммаси шарманда бўлади. Бут тайёрловчиларга қаранг. Улар ҳам оддий одамлар–ку! Қани, ҳаммаси тўплансин! Улар қўрқувга тушиб, биргаликда шармандаю шармисор бўлади.

12 Бут ясайдиган темирчи асбобини олади. Буюмни кўмир чўғи устида қиздиради. Болғаси билан уни ясайди. Қўлининг кучи билан ишлайди. Қорни очиб, ҳолдан тояди. Ташналикдан силласи қурийди. 13 Дурадгор ип билан ёғочни ўлчайди. Хоҳлаган шаклини чизиб олиб, ранда билан ишлов беради. Уни инсон шаклида ясайди. Унга инсон чиройини беради–да, саждагоҳга ўрнатади.
14 Ўрмонда сарв, эман дарахтларини танлайди. У ўзи учун садр дарахтларидан кесиб олади. Ёки қарағай дарахтини ўтқазади. Ёмғир эса ўша дарахтни ўстиради.
15 Кейин булар одамга ўтин бўлади. Одам ёғочнинг баъзиларини олиб исинади. Баъзиларини эса ёқиб, нон ёпади. Яна ўзига худо ҳам ясаб, унга сажда қилади. Бут ясаб, унга мук тушиб, таъзим қилади! 16 У ўтинларнинг ярмини ёқади. Оловда гўшт пиширib, қорнини тўйдиради. Исиниб бўлгач: «Оҳ, оҳ, исиниб олдим, оловнинг тафтидан жоним ором оляпти», дейди. 17 Ёғочнинг қолганидан эса худосини, ўзининг бутини ясайди. «Мени ўзинг қутқар, ахир, сен менинг худойимсан!» деб бутга ибодат қилади, мук тушиб сажда этади.

18 Улар ҳеч нарсани билмайдилар, тушунмайдилар. Кўзларию юракларида тўсиқ бор, улар кўрмайди, тушунмайди. 19 Бирортаси ҳам ўйлаб кўрмайди. «Ўтиннинг бир қисмини ёқдим. Оловида нон ёпдим, гўшт пиширib едим. Энди қолганидан жирканч нарса ясайманми?! Ёғоч ғўласига таъзим қиламанми?!» деб айтишга ақл–идрок йўқ. 20 Эҳ, кул ейдиганлар! Алданган қалби уни адаштиради. У ўз жонини қутқара олмайди. «Қўлимдаги шу нарса сохта–ку!» деб ўзига айтмайди.

21 Эй Ёқуб насли! Эй Исроил халқи!
Буларни ёдда тут!
Сизлар Менинг қулимсиз.
Мен сизларни яратдим,
Ҳа, сизлар Менинг қулимсиз!
Эй Исроил, Мен сизларни унутмайман!
22 Гуноҳларингизни булутдай ҳайдадим,
Айбларингизни тумандай тарқатдим,
Сизларни қутқарганман,
Менга қайтинг.”

Қуддус қайта тикланади

23 Эй самолар, шодликдан ҳайқиринг!
Мана, Эгамиз ажойиб бир иш қилди!
Ҳайқиринг, эй заминнинг тубсиз жойлари!
Шодликдан ҳайқиринг, эй тоғлар,
Эй ўрмон, ўрмондаги ҳар бир дарахт!
Ҳа, Эгамиз Ёқуб наслини қутқариб, Ўзига олди.
У Исроил халқи орасида улуғланмоқда.

24 Қутқарувчингиз, онангиз қорнида сизга шакл берган
Эгамиз шундай айтмоқда:
“Ҳаммасини яратган Мен Эгангизман,
Ёлғиз Ўзим самоларни ёйганман!*

Бир Ўзим заминни яратганман!
25 Фолбинларнинг аломатларини беҳудага чиқараман,
Башоратгўйларни лақиллатаман,
Донишмандларга зарба бериб,
Билган нарсаларини нодонликка чиқараман.
26 Ўз қулимнинг башоратини ижро этаман,
Элчиларимнинг айтганларини қиламан.
Мен Қуддус ҳақида:
«Бу ерда яна инсон яшайди», деб айтмоқдаман.
Яҳудо шаҳарлари ҳақида:
«Улар қайтадан қурилади,
Вайроналарини тиклайман», деб айтмоқдаман.
27 Чуқур сувларга шундай дейман:
«Қуриб бит! Дарёларингни қуритаман.»
28 Шоҳ Куруш* ҳақида шундай дейман:
«У Менинг чўпоним.
Менинг барча хоҳишимни у бажаради.»
Куруш шундай дейди:
«Қуддус қайта қурилсин,
Маъбад яна тиклансин.»”

45–БОБ

Шоҳ Куруш — Эгамизнинг танлагани

1 Эгам айтар: “Мен шоҳ Курушни* ўнг қўлидан тутиб турибман.
Халқларни унга итоат эттирай дея,
Шоҳларни қуролсизлантираман.
Унинг олдида эшиклар очиқ туради,
Дарвозалар ёпилмайди.”
Эгамиз Ўзининг танлагани — Курушга шундай айтмоқда:
2 “Мен Ўзим Сенинг олдингда бораман,
Тоғларни* текисликка айлантираман,
Бронза эшикларни парчалайман,
Темир тамбаларни синдираман.
3 Мен Эганг эканлигимни билиб олгин,
Сенинг исмингни айтиб чақираётган Мен
Исроил халқининг Худоси эканлигимни англагин деб,
Яшириб қўйилган бойликларни,
Зулматдаги хазинани сенга бераман.
4 Қулим Ёқуб ҳақи,
Ўзим танлаган Исроил ҳақи,
Сенинг исмингни айтиб чақирдим.
Сенга ном ато қилдим,
Аммо сен Мени билмайсан.
5 Мен Эгангман, бошқаси йўқ,
Мендан ўзга худо йўқ!
Сенга мадад бераман,
Аммо Мени билмайсан.
6 Мендан бошқаси йўқлигини

Шарқу ғарбда ҳамма билсин, дедим.
Мен Эгангман, бошқаси йўқ!
7 Мен ёруғлик яратаман, зулмат бино қиламан,
Фаровонлик юбораман, кулфат ёғдираман.
Мен Эгангман!
Буларнинг ҳаммасини Мен қиламан!

8 Эй самолар, юқоридан солиҳлик ёғдиринг,
Ҳа, солиҳлик булутлардан қуйилсин.
Ердан нажот униб чиқсин,
Солиҳлик билан бирга яшнасин.
Мен Эгангизман! Мен уни яратганман.”

9 Ҳолингизга вой!
Эй Яратувчи билан баҳслашадиганлар!
Тупроқдан ясалган кўзаю хумлар!
Ахир, лой кулолга: “Нима қиляпсан?” дейдими?!
“Қўлингдан иш келмас экан!” деб айтадими?!
10 Туғилмаган ҳомила отасига:
“Нима туғдиряпсиз ўзи?” деб айтадими?!
Онасига: “Нимага мени туғяпсиз ўзи?” дейдими?!
Сизларнинг ҳолингизга вой!
11 Исроил халқининг Муқаддас Худоси,
Унинг Яратувчиси — Эгамиз шундай айтмоқда:
“Хўш, энди Ўз фарзандларимнинг
Тақдири ҳақида Мени сўроққа тутасизми?!
Ўз қўлларим ижоди тўғрисида
Менга кўрсатмалар берасизми?!
12 Заминни барпо қилган,
Ер юзида инсонни яратган Менман.
Мен Ўз қўлим билан осмонни ёйдим,
Барча самовий жисмларга Мен буйруқ бердим.
13 Мен Ўзим Курушни қўзғатиб,
Унга ғалаба бераман.
Унинг барча йўлларини текислайман.
У Менинг шаҳримни қуради.
Пораю мукофот олмасдан
Менинг асирларимни қўйиб юборади.”
Сарвари Олам шундай деди.

Эгамиз танҳо Худо ва нажоткордир

14 Эгамиз айтмоқда: “Мисрнинг бойликлари,
Ҳабашистоннинг* хазиналари сеники бўлади!
Саво юртининг* баланд бўйли одамлари сенга келади.
Улар сенга эргашади.
Занжирбанд бўлиб, сенга таъзим қилади.
Ёлвориб: «Ҳа, Худо сизнинг орангизда!
Ундан бошқа Худо йўқ!» дейди.”

15 Эй Исроил халқининг Худоси — қутқарувчи!

Ҳақиқатан ҳам, Сен Ўзини яширадиган Худосан.
16 Бут ясайдиганлар биргаликда уятга қолди.
Ҳаммаси шармандаю шармисор бўлди.
17 Исроилни эса Эгамиз қутқарди,
То абад нажот берди!
Эй Исроил халқи, сизлар шарманда бўлмайсиз,
То абад уятга қолмайсиз!

18 Эгамиз Самоларни яратган,
У Худодир!
У ерни барпо қилган, мустаҳкамлаган.
Ерни бўш қилиб эмас,
Яшашга лойиқ қилиб яратган.
У шундай деб айтмоқда:
“Мен Эгангизман, бошқаси йўқ.
19 Мен сизларга яширин жойда,
Зимзиё юртда гапирмадим.
Мен Ёқуб наслига: «Бўш жойлардан
Мени қидиринг!» деб айтмадим.
Мен Эгангизман.
Ҳақиқатни айтаман,
Тўғрисини эълон қиламан.

20 Эй халқларнинг омон қолганлари,
Йиғилинглар, яқинлашиб, бирга келинглар!
Ёғоч бутларини олиб юрадиганлар,
Қутқармайдиган худога ибодат қиладиганлар
Ҳеч нарсани англаб етмайдилар.
21 Гапиринг, исбот келтиринг.
Ўзаро маслаҳатлашинг.
Бу тўғрида ким қадимдан хабар берди?
Азалдан ким айтиб берган эди?
Мен Эгангиз эмасми?!
Мендан бошқа Худо йўқ!
Мен одил Худоман, қутқарувчиман!
Мендан бошқаси йўқ.
22 Менга юз буринг, нажот топасиз,
Эй заминнинг барча четлари!
Ҳа, Мен Худоман, бошқаси йўқ.
23 Ўзим ҳақим онт ичдим*,
Оғзимдан тўғри сўз чиқди, беҳуда кетмас:
Менинг олдимда ҳар бир одам тиз чўкади,
Ҳар бир тил Менга садоқат қасамини ичади.
24 Мен ҳақимда: «Фақатгина Эгамизда адолат, қудрат бор», деб айтадилар.
Мендан ғазабланганларнинг ҳаммаси
Менга келадилар, улар уялиб қоладилар.
25 Аммо бутун Исроил насли
Мен — Эгаси туфайли нажот топади.
Улар мақтовга сазовор бўлади.”

46–БОБ

1 Эгам айтар: “Худо Бэл тиз чўкди, худо Наво* букилди.
Уларнинг бутлари молу ҳайвонга юк бўлди.
Олдин кўтариб юрганларингиз
Энди толиққанга юк бўлди.
2 Улар эгилди, бирга тиз чўкди,
Улар энди юкни қутқара олмайди,
Ўзлари эса асир бўлиб кетади.

3 Эй Ёқуб насли! Менга қулоқ солинг!
Эй Исроил наслининг омон қолганлари!
Эй халқим! Туғилганингдан бери сени онадай кўтариб юрдим,
Ҳа, дунёга келмасингдан олдин Мен таянчинг бўлдим.
4 Кексайгунингча ҳам Мен Ўшаман,
Сочинг оқарганда ҳам сени кўтариб юраман.
Мен сени яратганман, Ўзим сени кўтараман.
Ўзим сени кўтариб, қутқараман.

5 Мени кимга ўхшатасан?!
Кимга тенглаштирасан?!
Мени кимга таққослайсан?!
Нима, Мен ўшалар билан тенг бўлиб қолдимми?!
6 Мана, одамлар ҳамёндан тилла чиқарадилар.
Кумушни тарозиларда тортадилар.
Уста ёллаб, худо ясаттирадилар.
Улар ўша худосига таъзим қиладилар.
Ҳа, унга сажда қиладилар.
7 Ўша худосини опичлаб олиб кетадилар,
Уни жойига ўрнатиб, турғизиб қўядилар.
У жойидан қимирламай тураверади.
Кимдир унга ёлворганда, жавоб бермайди,
Машаққатидан халос қила олмайди.

8 Буни ёдда тутинг, маҳкам бўлинг!
Эй исёнкорлар, буни эсга олиб туринг!
9 Азалдан бўлганларни ёдда тутинг!
Ахир, Мен Худоман, бошқаси йўқ!
Мен Худоман, Менга ўхшагани йўқ!
10 Охирида нима бўлишини бошидаёқ айтаман.
Содир бўлмаганларни олдиндан билдираман.
«Ниятларим бажо бўлади,
Барча истакларимни ижро этаман», деб айтмоқдаман.
11 Шарқдан йиртқич қушни чақиряпман.
Ҳа, хоҳишимни бажарадиганни
Узоқ юртдан чақиряпман*.
Мен Ўз айтганимни бажо қиламан!
Ҳа, ўйлаганимни амалга ошираман!

12 Менга қулоқ солинг, эй ўжарлар!

Ғалаба узоқ, деб ўйлаганлар!
13 Мана, Мен ғалаба келтираман, у узоқда эмас.
Кечиктирмай нажот бераман.
Ҳа, Қуддусга* нажот ато қиламан,
Исроилга Ўз улуғворлигимни бераман.”

47–БОБ

Гўзал аёлга ўхшаган Бобил ҳукм қилинади

1 Эгам айтар: “Пастга туш, тупроққа ўтир,
Эй бокира қиз* Бобил!
Ерга ўтир, энди тахтинг йўқ,
Эй қиз Бобил!*
Мана энди сен тўғрингда:
«Нақадар нозик, майиндир», деб айтмаслар.
2 Қани, тегирмон тошини ол, дон янчгин.
Ёпинчиғингни еч, этагингни йиғиштир,
Болдирингни оч, дарёлардан кечиб ўт*.
3 Яланғоч жойларинг очилади,
Шармандалигинг кўриниб қолади.
Мен қасос оламан,
Ҳеч кимга шафқат қилмайман.”

4 Қутқарувчимиз Исроил халқининг Муқаддас Худосидир.
Унинг номи Сарвари Оламдир.

5 Эгам айтар: “Жим ўтир, қиз Бобил!* Зулматга жўна!
Энди сени «Юртларнинг маликаси» деб айтмайдилар.
6 Мен халқимдан ғазабландим,
Ўз мулкимни ҳаром қилдим.
Уларни сенинг қўлингга бердим.
Сен эса уларга шафқат қилмадинг,
Ҳатто кексаларнинг елкасига ҳам
Ғоят оғир бўйинтуруқ солдинг.
7 Шунда: «Мен то абад оламнинг маликаси бўламан», деб айтдинг.
Аммо буларнинг нима билан тугашини
Ўйлаб кўрмадинг, ақлингга келтирмадинг.

8 Энди бунга қулоқ сол! Эй ҳашаматни севувчи!
Бехатар ўтириб, ўзингча айтасан:
«Мендан бошқа малика йўқ,
Тул қолмасман, фарзанд доғини кўрмасман.»
9 Кўп сеҳр–жодуларингга қарамай,
Кучли афсунларингга қарамай,
Мана шу иккаласи ҳам
Бир кунда бошингга тушади:
Сен ҳамма болаларингдан айриласан,
Тул бўлиб қоласан.

10 Ўз ёвузлигингга ишондинг,

«Мени ҳеч ким кўрмайди», дединг.
Донолигинг, билиминг сени йўлдан адаштирди,
Ўзингга: «Мана, мен!
Мендан бошқаси йўқ», дединг.
11 Мана, бошингга кулфат тушади,
Уни сеҳр–жоду билан даф қилолмайсан.
Бошингга бахтсизлик ёғилади,
Сен уни қайтара олмайсан.
Ҳалокат сенга бирданига келади,
Бу тушингга ҳам кирмаган.

12 Қани, сеҳр–жодуингни ишга сол,
Кўпроқ афсунгарлик қил,
Ахир, сен ёшлигингдан
Бундай ишларга одатлангансан.
Балки бирон нарсага эришарсан,
Балки биронтасини қўрқитарсан.
13 Олган маслаҳатларинг кўплигидан
Сен чарчаб қолдинг.
Қани, энди ўша мунажжимларинг, таъбирчиларинг?
Ҳар янги ой чиққанда тақдирингдан башорат қиладиганлар қани?
Улар келсин–чи!
Энди ўшалар сени қутқарсин.

14 Ана, ҳаммалари сомонга ўхшаб қолди–ку!
Олов уларни ямламай ютади!
Жонларини оловдан қутқаролмайди.
Исиниш учун кўмирлари бўлмайди.
Тафтидан баҳра олиш учун гулхани бўлмайди*.
15 Ёшлигингдан сен билан олди–берди қилган ҳар бир одам,
Сен билан бирга ишлаганларнинг ҳаммаси шундай бўлиб қолади.
Улар ўз йўлига қараб кетади!
Сени қутқарадиган бирор кимса бўлмайди.”

48–БОБ

Худонинг исёнкор халқи

1 Эшитинг буни! Эй Ёқуб насли!
Эй Исроил номи билан аталадиганлар,
Яҳудо уруғидан чиққанлар!
Сизлар Эгамизнинг номи билан қасам ичасизлар,
Исроил халқининг Худосини тилга оласизлар,
Аммо ҳақиқат ва солиҳлик билан эмас.
2 Ҳа, сизлар ўзингизни муқаддас шаҳар* номи ила атадингиз,
Исроил халқининг Худосига таяндингиз,
Ахир, Унинг номи Сарвари Оламдир.

3 Эгамиз сизларга шундай деди:
“Бўлиб ўтганларни олдиндан Мен айтдим,
Оғзимдан чиқиши билан буларни билдирдим,

Бирданига ҳаракат қилдим ва улар содир бўлди.
4 Ахир, қайсарлигингни Мен биламан–ку!
Бўйнинг темирдай, пешананг бронзадай қаттиқ!
5 «Буларни менинг санамим қилди,
Қуйма, ўйма бутларим амр қилди», деб
Айтмагин, дея Мен олдиндан айтдим,
Бажо бўлмасдан олдин, бўлиб ўтганларни билдирдим.
6 Буларнинг ҳаммасини эшитдинг,
Наҳотки энди эътироф этмасанг?!
Ҳозирдан бошлаб янгиларини,
Ўзинг билмаган яширин нарсаларни
Сенга эшиттирдим.
7 Булар ҳозир яратилди, қадимда эмас,
Бу тўғрида сен илгари эшитмагансан.
Йўқ! Сен: «Мен буларни биламан–ку!»
— деб айта олмайсан.
8 Ҳа, эшитмагансан, билмайсан ҳам,
Ҳатто азалдан ҳам қулоқларинг очилмаганди.
Мен биламан–ку хиёнаткор эканлигингни,
Туғилганингданоқ сен исёнкор деб аталгансан.
9 Ўзимнинг исмим ҳақи ғазабимни босяпман,
Шарафим ҳақи Ўзимни тутяпман,
Бўлмаса, сени йўқ қилган бўлардим.
10 Мана, Мен сени покладим,
Аммо кумушдай қилиб эмас.
Сени кулфат ўчоғида синадим.
11 Ўз ҳақим, ҳа, Ўз ҳақим учун шундай қиламан!
Ахир, нимага Мен бадном бўлишим керак?!
Шуҳратимни бировга бериб қўймайман.

Исроил Бобил зулмидан халос бўлади

12 Менга қулоқ тут, эй Ёқуб насли!
Ўзим чақирган Исроил халқи, эшит!
Мен Ўшаман!
Боши ҳам, охири ҳам Мен Ўзимман.
13 Ҳа, Менинг қўлим заминнинг пойдеворини* қўйган,
Самоларни ёйган Менинг қўлимдир.
Мен уларни чақирганимда
Улар биргаликда туради.
14 Ҳаммангиз тўпланиб, эшитинг!
Бутларнинг қайсиси буларни билдирди?!
Курушни* Мен, Эгангиз, яхши кўраман.
У Бобилда Менинг ниятимни бажо келтиради.
Менинг қўлим Бобилликларга* қарши бўлади.
15 Мен айтдим! Ҳа, Мен Ўзим айтдим!
Уни Мен чақирганман!
Уни Мен олиб келдим,
У ғалабага эришади.
16 Менга яқинлашинг! Бунга қулоқ солинг!
Азалдан ҳеч нарсани яширмай айтдим,

Бошиданоқ Мен ўша ердаман.”

Мана энди Эгамиз Раббий мени
Ҳамда Ўз Руҳини юбормоқда*.
17 Қутқарувчингиз, Исроил халқининг Муқаддас Худоси —
Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мен Эгангиз Худоман!
Яхши бўлинг деб, сизларга йўл–йўриқ кўрсатаман,
Юрадиган йўлларингиздан етаклайман.
18 Қанийди амрларимга қулоқ солганингизда!
Ўшанда фаровонлигингиз дарёдай бўларди,
Зафарингиз денгиз тўлқинларидай бўларди.
19 Уруғингиз қум каби бўларди,
Наслингиз қум зарраларидай сон–саноқсиз бўларди.
Уларнинг номи ўчиб кетмаган бўларди,
Менинг олдимдан йўқотилмаган бўларди.”

20 Энди Бобилдан чиқиб кетинг,
Бобилликлардан қочинг.
Шодлик ҳайқириқлари ила эълон қилинг!
Дунёнинг тўрт четига бу хабарни етказинг!
“Эгамиз Ўз қуллари, Ёқуб наслини қутқарди”, деб айтинг!
21 Эгамиз уларни саҳродан олиб борганда,
Улар ташналикдан қийналмадилар.
Худо улар учун қоядан сув чиқарди*.
У қояни ёрди, сувлар пишқириб чиқди.

22 “Ёвузларга омонлик йўқ”, дейди Эгамиз.

49–БОБ

Исроил бошқа халқларга чироқ бўлади

1 Қулоқ солинг, эй денгиз ортидаги юртлар!
Эътибор беринг, эй узоқдаги халқлар!
Туғилмасимдан олдин Эгам мени чақирди,
Она қорнида бўлганимдаёқ
У исмимни айтиб чақирди.
2 У тилимни ўткир қиличдай қилди,
Қўлининг соясида У мени яширди.
У мени учли ўқдай қилди,
Ўқдонига мени яширди.
3 У менга шундай деди:
“Сен Менинг қулимсан,
Эй Исроил, Мен сен туфайли шуҳрат топаман.”
4 Мен шундай дедим:
“Мен бекорга меҳнат қилдим,
Кучимни беҳуда, бефойда сарф этдим.”
Аммо Эгам мени ҳукм қилади–ку,
Мукофотлаш Худойимнинг қўлидадир.

5 Энди Эгам гапирди.
Ёқуб наслини Унга қайтарсин деб,
Исроилни Унинг олдига тўпласин деб,
Онам қорнидаёқ мени Ўз қули қилиб яратди.
Эгамнинг кўзи олдида мен шуҳрат топаман,
Худойим менинг куч–қудратим бўлди.
6 У шундай деди:
“Ҳа, сен Ёқуб қабилаларини қайта тиклайсан,
Исроилнинг омон қолганларини
Ўз юртига қайтариб олиб келасан.
Бироқ сени фақат шунинг учунгина қулим қилмадим.
Мен сени бошқа халқларга нур қиламан,
Токи Мен берадиган нажот ернинг четигача етиб борсин.”

7 Исроил халқининг қутқарувчиси,
Уларнинг Муқаддас Худоси —
Эгамиз шундай айтмоқда:
“Эй хору зор бўлган бечора қулим,
Сен халқларнинг* нафратига учрагансан,
Ҳукмдорларнинг қулига айлангансан.
Бироқ сенга айтаманки,
Сени кўриб, шоҳлар ўрнидан туради,
Ҳукмдорлар тиз чўкиб таъзим қилади.
Исроил халқининг Муқаддас Худоси —
Содиқ Эгангиз ҳақи–ҳурмати шундай қилади.
Ахир, У сени танлаган–ку!”

Исроил қайта тикланади

8 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мурувват пайти келганда,
Мен сенга жавоб бердим,
Нажот куни келганда,
Мен сенга ёрдам бердим.
Ўзим сени ҳимоя қиламан,
Халқим билан тузган аҳдимни
Сен орқали амалга ошираман.
Токи юрт қайта тиклансин,
Ташландиқ мулклар тақсимлансин.
9 Маҳбусларга: «Чиқинглар!» демоқдаман.
Зулматдагиларга: «Кўринглар!» деб айтмоқдаман.
Йўл бўйида улар ўтлоқлар топади,
Тап–тақир қирлар уларнинг яйлови бўлади.
10 Улар на очликни, на ташналикни билади,
На гармсел*, на жазирама қуёшдан азоб чекади.
Меҳр–шафқат кўрсатиб, уларни етаклайман,
Уларни булоқларга бошлаб бораман.
11 Ҳамма тепаликларимни текис йўл қиламан,
Жарликларни тўлдириб, йўллар барпо этаман.
12 Мана, улар узоқлардан келади.
Қаранг, улар шимолдан, ғарбдан,

Синим юртидан* ҳам келади.”

13 Шодликдан куйланг, эй самолар,
Хурсанд бўл, эй замин!
Қўшиққа жўр бўлинг, эй тоғлар!
Эгамиз халқига тасалли берди,
Эзилган халқига раҳм қилди!

14 Аммо Қуддус* шундай деди:
“Эгам мени тарк этди,
Раббим мени унутиб қўйди.”
15 Эгам айтар: “Ахир, аёл киши эмизикли боласини унутадими?!
Ўзи туққан боласига раҳм қилмайдими?!
Агар хотинлар боласини унутсалар ҳам,
Мен сени асло унутмайман!
16 Қара, сенинг номингни кафтимга ёзиб қўйдим,
Эй Қуддус, доимо кўз ўнгимдасан!
17 Ҳадемай, фарзандларинг қайтиб келади,
Сени вайрон қилиб, йўқотмоқчи бўлганлар
Сендан чиқиб кетади.
18 Бошингни кўтариб, атрофга қара,
Ҳамма фарзандларинг тўпланиб, олдингга келишди.”
Эгамиз шундай демоқда:
“Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи айтаманки,
Ҳаммаси зебу зийнатдай сени безатиб туради,
Келинчакдай уларни тақинчоқ қилиб тақасан.
19 Ҳа, еринг кимсасиз, ҳувиллаб қолганди,
Юртинг вайронага айланганди.
Энди эса одам кўплигидан тор бўлиб қолади,
Бузғунчилар сендан узоқда юради.
20 Асирликда туғилган фарзандларинг
Ҳали сенга шундай дейди:
«Бу жой бизга торлик қиляпти,
Жой беринг, биз ҳам яшайлик.»
21 Шунда ўзингга ўзинг дейсан:
«Уларни менга ким туғиб берди?
Фарзандсиз эдим, туғмас бўлиб қолгандим.
Сургунда эдим, хор бўлгандим.
Уларни ким менга катта қилиб берди?
Ёлғиз ўзим қолгандим–ку,
Энди улар қаердан келиб қолди?»”

22 Эгамиз Раббий шундай айтмоқда:
“Мана, Мен халқларга қўл кўтариб, ишора бераман,
Элатларга байроғимни кўтараман.
Болаларингни улар қўлларида кўтариб келади,
Қизларингни улар опичлаб келади.
23 Шоҳлар сенга хизмат қилиб, боқади,
Маликалар сенга энагалик қилади.
Бошлари ерга теккудай бўлиб,

Улар сенга таъзим қилади,
Оёқларинг чангини ялаб–юлқайди.
Ўшанда Мен Эганг эканлигимни биласан.
Менга умид боғлаган шарманда бўлмайди.”

24 Бирор кимса кучли жангчидан
Ўлжани олиб қўя оладими?!
Наҳотки золимнинг* қўлига асир тушган қутула олса?!
25 Эгамиз эса шундай айтмоқда:
“Мана, кучли жангчидан асирлар тортиб олинади,
Золимга ўлжа бўлганлар қутқарилади!
Сенга қарши чиққанларга Мен қарши чиқаман,
Сенинг болаларингни Мен Ўзим қутқараман!
26 Сенга зулм қилганларга ўз танасини едираман,
Улар шароб ичгандай бўлиб, ўз қонидан маст бўлади.
Шунда жамики одамзод
Мен, Эганг, нажоткоринг ва қутқарувчинг эканлигимни,
Ёқуб наслининг қудратли Худоси эканлигимни билиб олади.”

50–БОБ

Исроил халқининг гуноҳи

1 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мен онангизни ҳайдаб юборган эдим,
Унинг талоқ хати қани?
Хўш, сизни қайси қарз берувчимга сотибман?
Мана, гуноҳларингиз туфайли сотилдингиз,
Итоатсизлигингиз дастидан онангиз ҳайдалди.
2 Келганимда нега бирон кимса йўқ эди?
Чақирганимда нега ҳеч ким жавоб бермади?
Сизни қутқаришга Менинг қўлим қисқами?
Ёки сизни озод қилишга кучим етмасми?
Бир таҳдид қилсам денгиз қурийди,
Дарёларни чўлга айлантираман.
Сувлар қуриб, балиқлари сасийди,
Сув йўқлигидан балиқлар ўлиб кетади.
3 Самоларга қора кийдираман,
Қанорни уларнинг ёпинчиғи қиламан.”

Эгамизнинг итоаткор қули

4 Толиққанларга сўз билан мадад берсин деб,
Эгам Раббий менга доно тил берди.
Ҳар тонг У мени уйғотади,
Донолардай тингласин деб, қулоғимни очади.
5 Эгам Раббий қулоғимни очди,
Мен итоатсизлик қилмадим,
Мен Ундан юз ўгириб кетмадим.
6 Мени урганларга кифтимни очдим,
Соқолимни юлганларга юзимни тутдим,
Ҳақорат, тупуришлардан юзимни яширмадим.

7 Эгам Раббий менга мадад беради,
Шу боис мен ҳеч шарманда бўлмадим.
Азобларга бардош беришга қарор қилдим,
Биламан, шарманда бўлмайман.
8 Мени оқлайдиган яқинимдадир,
Мен билан даъволашадиган ким, юзлашайлик–чи!
Қани рақибларим? Менга қарши чиқсин!
9 Мана, Эгам Раббий менга мадад беради,
Қани, ким мени айбдор деб айта олади?!
Қаранг, уларнинг ҳаммаси кийим каби эскиради,
Уларни куя еб тамом қилади.

10 Орангиздан ким Эгамиздан қўрқади?
Ким қулининг овозига қулоқ солади?
Зулматда юрганлар, нурдан маҳрум бўлганлар
Эгамизнинг номига умид боғласин,
Ҳа, ўзининг Худосига таянсин!
11 Ахир, ҳаммангиз аланга ёқяпсиз,
Машъаллар ёқяпсиз.
Алангангиз ёруғида юраверинг,
Ўзингиз ёққан машъала ёруғида юраверинг.
Қаранг, Худо сизларни не кўйга солади:
У бошингизга азоб–уқубат келтиради.

51–БОБ

Худо Ўз халқига тасалли беради

1 Эгам айтар: “Эй нажотга умид боғлаганлар,
Мен, Эгангизга интилаётганлар,
Менга қулоқ солинг!
Қаердан келиб чиққанингизга эътибор беринг:
Қоянгизга қаранг, сиз ундан кесиб олингансиз,
Конингизга қаранг, сиз ундан қазиб олингансиз.
2 Ҳа, отангиз Иброҳимга боқинг,
Сизни туққан Сорага қаранг.
Иброҳимни чақирганимда, у ёлғиз эди,
Мен унга барака бериб, кўпайтирдим.

3 Мана, Мен, Эгангиз, Қуддусга* тасалли бераман,
Унинг барча вайроналарига тасалли бераман.
Унинг саҳросини Адан боғига айлантираман,
Унинг чўлини Менинг боғимдай қиламан.
У ерда шодлик, севинч бўлади,
Шукроналик ва қўшиқ садолари янграйди.

4 Эй халқим! Менга қулоқ солинг!
Қулоқ тутинг Менга, эй элатим!
Мана, таълимот Мендан чиқиб боради,
Адолатим халқларга нур бўлади.
5 Мен берадиган нажот ўз йўлига чиқди,

Мен ғалаба қозонадиган вақт яқинлашди.
Халқлар орасида қўлим ила адолат ўрнатаман,
Денгиз ортидаги юртлар Менга умид боғлайди,
Билагимнинг кучидан улар умид қилади.
6 Кўзларингизни самоларга қаратинг,
Пастга, ер юзига назар солинг.
Самолар тутун каби йўқолади,
Замин кийим каби тўзиб битади.
Замин аҳли чивиндай ўлиб кетади,
Мен берадиган нажот эса то абад бўлади,
Менинг ғалабам бекор қилинмайди.

7 Эй таълимотимни қалбига жо қилганлар,
Сизлар нима тўғри эканлигини биласизлар.
Менга қулоқ солинг!
Инсон ҳақоратларидан қўрқманглар,
Уларнинг таҳқирларидан хафа бўлманглар.
8 Куя кийимни, қурт жунни еб битиргандай,
Улар ҳам йўқ бўлиб кетади.
Менинг ғалабам эса абадий бўлади,
Нажотим насллар бўйи давом этади.”

9 Уйғон, уйғон, эй Эгам!
Куч–қудратингга буркангин!
Уйғон қадимги пайтлардагидай,
Азалий насллар давридагидай.
Махлуқ Раҳобни* парчалаган Сен эмасмидинг?!
Аждарга тиғ санчган Сен эмасмидинг?!
10 Сен эмасмидинг денгизни қуритган,
Ғоят тубсизликдаги сувларни қуритган?!
Ўзингга тегишли бўлганлар ўтсин деб,
Денгиз тубини йўл қилган Сен эмасмидинг?!
11 Эгамиз қутқарганлар қайтиб келади,
Қўшиқ айтиб Қуддусга келади.
Абадий шодлик уларнинг бошида тож бўлади.
Улар шодлик, севинчга етишади,
Қайғу, надомат улардан узоққа қочади.

12 Эгам айтар: “Мен Ўзим сизларни юпатаман!
Кимдан қўрқасиз? Ўладиган бандаданми?
Майсага ўхшаб сўлийдиган инсон зотиданми?!
13 Самоларни ёйган*, замин пойдеворини* ўрнатган,
Сизларни яратган Мен, Эгангизни унутиб қўйдингиз.
Сизни қирмоқчи бўлган золимнинг ғазабидан
Ҳар доим титраб–қақшаб турасиз.
Аммо қани энди золимнинг ғазаби?!
14 Мазлумлар тез орада озод бўлади,
Улар ўлмайди, қабрга тушмайди,
Нонга зор бўлмайди.
15 Мен Эгангиз Худоман.

Денгизни қўзғатадиган,
Тўлқинларни гувиллатадиган Менман.
Менинг номим Сарвари Оламдир!
16 Оғзингизга сўзларимни солдим,
Сизларни қўлим соясида яширдим.
Самоларни ўрнатганман,
Замин пойдеворини қўйганман.
Қуддусга: «Сен Менинг халқимсан», деганман.”

Қуддуснинг азоблари тугайди

17 Уйғон, уйғон эй Қуддус, оёққа тур!
Сен Эгангнинг қўлидаги ғазаб косасидан* ичдинг!
Тагидаги қуйқумигача ичиб,
Гандираклаб қолдинг.
18 Ўзинг туққан шунча ўғиллар орасидан
Сени етаклайдиган биронтаси ҳам йўқ.
Ўзинг ўстирган шунча ўғиллар орасидан
Қўлингдан тутадиган биронтаси йўқ.
19 Бошингга қўш фалокат келди,
Ким сенга тасалли беради?!
Атрофингда талончилигу ҳалокат, очлигу қилич,
Ким сени юпата олади?!*
20 Ҳар бир кўча бошида
Ўғилларинг сулайиб ётибди.
Улар тўрга тушган кийиклар кабидир.
Эгангиз бор қаҳр–ғазабию Ўз танбеҳи билан
Уларни шу аҳволга солди.

21 Шу боис энди бунга қулоқ солинг,
Эй азоб чекканлар!
Сизлар мастсиз, аммо шаробдан эмас!
22 Ўз халқини ҳимоя қиладиган Худойингиз —
Эгангиз Раббий шундай айтмоқда:
“Мана, сенинг қўлингдан
Гандираклатадиган косани олдим.
Энди ғазабим косасидан бошқа ичмайсан.
23 Уни сенга азоб берганларнинг қўлига бераман.
Улар сенга: «Ерга ёт, устингдан
Босиб ўтайлик», деган эди.
Елкаларинг уларга ер каби бўлди.
Сен ўзинг йўлдай бўлдинг,
Улар устингдан босиб ўтди.”

52–БОБ

Худо Қуддусни қутқаради

1 Уйғон, уйғон, эй Қуддус,
Куч–қудратга тўлгин.
Ажойиб кийимларингни кийгин,
Эй Сион, муқаддас шаҳар!

Мана энди суннатсизлар, нопоклар
Дарвозаларингдан ичкари кирмайди!
2 Қани, тур, тупроқни қоқиб ташла!
Эй Қуддус, ўз тахтингга ўтир!
Бўйнингдаги занжирни узиб ташла,
Эй асира қиз* Сион!

3 Мана Эгамиз шундай демоқда: “Сизлар бепул сотилган эдингиз, энди пулсиз
қутқариласиз.” 4 Ҳа, Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Олдин халқим Мисрга
борди. У ерда мусофир бўлди. Кейин Оссурияликлар сабабсиз уларга зулм
ўтказди. 5 Бу нимаси? — демоқда Эгамиз. — Халқим беҳудага босиб олинди.
Ҳукмдорлари фарёд қилмоқда, — демоқда Эгамиз. — Менинг номим доимо, кун
бўйи ҳақорат қилинмоқда. 6 Шу боис халқим номимни билиб олади. Ҳа, Мен
гапираётганимни ўша куни улар билиб олади. Мана, Мен Ўшаман.”

7 Тоғлар оша тинчликни эълон қилган
Хабарчининг қадамлари нақадар гўзал!
У хушхабар олиб келмоқда,
У нажотни эълон қилмоқда,
У Қуддусга*: “Худойинг ҳукмрондир”, демоқда.
8 Қулоқ солинг! Соқчиларингиз овозини кўтармоқда,
Биргаликда улар шодликдан куйламоқда!
Ахир, Эгамизнинг Қуддусга қайтиб келишини
Улар ўз кўзлари билан кўради.
9 Эй Қуддус вайроналари!
Биргаликда севинч ила ҳайқиринг.
Эгамиз Ўз халқига тасалли берди,
Қуддусни қутқариб, Ўзига олди!
10 Ҳамма халқларнинг кўз ўнгида
Эгамиз муқаддас қўлини кўрсатди.
Худойимизнинг нажотини
Ернинг тўрт бурчи кўради.

11 Кетинг, у ердан чиқиб кетинг!
Ҳаром бўлганларга тегиб кетманг!
Эй Эгамизнинг муқаддас ашёларини кўтарадиганлар*,
У ердан чиқинглар, покланинглар!
12 Мана, сиз шошилмай йўлга чиқасиз,
Қочишингизга асло ҳожат қолмайди.
Ахир, Эгамиз олдингизда бормоқда,
Исроил халқининг Худоси ортингиздан
Сизни қўриқламоқда.

Эгамизнинг азобланаётган қули

13 Эгам айтар: “Мана, Менинг қулим яшнайди,
У кўтарилиб, юксалади,
Ғоят баландга кўтарилади.
14 Илгари унинг қиёфаси шундай бадбашара эдики,
Инсон зотига ўхшаш жойи қолмаган эди.
Шу боис кўплар унинг олдида* даҳшатга тушди,

15 Энди эса у кўп халқларни ҳайратда қолдиради,
Уни деб шоҳлар ҳам лол бўлиб қолади.
Ахир, улар билмаган нарсаларни кўрадилар,
Эшитмаганларини англаб етадилар.”

53–БОБ

1 Бизнинг* хабаримизга ким ишонди?
Эгамизнинг қудратли кучи кимга аён бўлди?
2 Эгамизнинг қули Эгамиз олдида янги кўчатдай,
Қуруқ тупроқдаги илдиздай ўсди.
Бизни ўзига жалб қиладиган
Гўзаллик, улуғворлик унда йўқ эди.
Бизни ўзига ром этадиган
Ҳеч бир жозибаси йўқ эди.
3 Одамлар ундан нафратландилар, уни рад этдилар.
У қайғу, азоб–уқубат нималигини биларди.
Ҳамма ундан юз ўгирди, ундан ҳазар қилди.
Биз уни одам қаторида санамадик.
4 Ҳа, дардларимизни у ўзига олди,
Оғриқларимизни у ўз зиммасига олди.
Биз эса ўйладик: “Уни Худо урган,
Аламдийда, жабрланган у!”
5 У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди,
Бизнинг айбларимиз туфайли эзилди.
Бизга тинчлик келтирадиган жазо унга тушди,
Унинг яралари бизга шифо берди.
6 Ҳаммамиз қўйлардай йўлдан адашдик,
Ҳаммамиз ўз йўлимиздан кетдик.
Ҳаммамизнинг айбларимизни
Эгамиз унинг зиммасига юклади.

7 У жабр кўрди, ўзи уқубат чекди,
Аммо миқ этмади, оғзини очмади.
Бўғизланишга олиб борилган қўзидай,
Жун қирқувчи олдида жим турган қўйдай
У миқ этмади, оғзини очмади.
8 Ҳукм билан, куч билан* олиб кетилди.
Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?*
Тириклар юртидан у улоқтирилди,
Халқимизнинг* гуноҳи туфайли унга зарба тушди.
9 Гарчи у ёвузлик қилмаган бўлса ҳам,
Оғзидан ёлғон сўз чиқмаган бўлса ҳам,
Унга ёвузлар қатори қабр берилганди,
Аммо ўлганда у бойлар ёнига қўйилди.

10 Эгамиз Ўз қулини эзишни, азоблашни маъқул кўрди.
Шундай бўлса ҳам, Эгамизнинг қули ўз наслини кўради,
Узоқ умр кечиради,
Чунки у ўзини гуноҳ учун назр қилди.

У орқали Эгамизнинг хоҳиши бажо бўлади.
11 Чеккан азобларининг натижасини кўриб*,
У мамнун бўлади.
Менинг солиҳ қулим ўз билими туфайли
Кўпчиликни оқлаб, уларнинг айбини ўзига олади.
12 Шу боис буюклар қаторида унга улуш бераман*,
У кучлилар билан ўлжаларни бўлишади.
Ахир, у ўзини ўлимга тутиб берди,
Гуноҳкорлар қаторида саналди.
Кўпларнинг гуноҳини у ўзига олди,
Гуноҳкорлар учун васийлик қилди.

54–БОБ

Худонинг Ўз халқига бўлган севгиси

1 Эгам айтар: “Эй бола кўрмаган бепушт аёл!
Шодликдан ҳайқир!
Эй тўлғоқ оғриғини билмаган аёл!
Севинчдан ҳайқир!
Ахир, ташлаб кетилган аёлнинг болалари
Эри бор хотинникидан ҳам кўпроқ бўлади.
2 Чодиринг жойини кенгайтиргин,
Чодиринг пардаларини кенг чўздиргин!
Ҳеч нарсани аяма!
Арқонларингни узун ташлагин,
Қозиқларингни маҳкам қоққин!
3 Ахир, мулкинг ўнгу сўлга кенгайиб кетади.
Авлодинг халқларни мулк қилиб олади,
Улар ташландиқ шаҳарларни тўлдиради.
4 Қўрқма, уятга қолмайсан,
Уялма, шарманда бўлмайсан!
Ахир, сен ёшлигингдаги шармандаликни унутасан,
Бевалигингдаги шармандаликни бошқа эсламайсан.
5 Зотан, Мен, Яратувчинг, сенинг эринг бўламан.
Менинг номим Сарвари Оламдир!
Мен, Исроил халқининг Муқаддас Худоси, қутқарувчингман,
Мен бутун ер юзининг Худоси деб аталаман.
6 Эй Исроил! Сен ташлаб кетилган,
Руҳи азобланган аёлдайсан.
Рад этилган, ёш жувондайсан.
Аммо Мен, Эганг, сени чақириб оламан,
— демоқда Худойинг. —
7 Қисқа вақтга Мен сени тарк этгандим,
Буюк шафқат ила сени қайтариб оламан.
8 Қаттиқ ғазабда сендан бир лаҳзага юз ўгиргандим,
Энди туганмас меҳр билан сенга раҳм қиламан,
— демоқда қутқарувчинг — Эгамиз. —

9 Ҳа, Мен учун бу Нуҳ даври кабидир.

Энди ер юзини Нуҳ тўфони каби,
Ҳеч қачон сув босмайди, деб онт ичганман.
Худди шундай қилиб, яна онт ичаман:
«Ҳеч қачон сендан ғазабланмайман,
Сенга жаҳл қилмайман!»
10 Тоғлар ўрнидан қўзғалса ҳам,
Тепаликлар тебранса ҳам,
Менинг содиқ севгим сендан кетмайди,
Менинг тинчлик аҳдим ўзгармайди.”
Сени севувчи Эгамизнинг каломи шудир.

Бўлажак Қуддус

11 Эгам айтар: “Эй мазлум шаҳар!
Бўронларда қолдинг, аммо ҳеч ким сени юпатмади!
Мана, Мен фируза тошлар ишлатиб, сени қайта қураман.
Зангори ёқут тошлардан сенга пойдевор қўяман.
12 Миноралаpингни ёқутлардан қураман,
Дарвозаларингни гавҳарлардан қиламан,
Барча деворларингни қимматбаҳо тошлардан қураман.
13 Ҳамма болаларингга Мен, Эганг, таълим бераман,
Фарзандларингнинг тинчлиги буюк бўлади.
14 Мен сени душманларингдан халос қилганимда
Сен бехатар бўласан.
Зулм сендан узоқда бўлади,
Ҳалокатдан қўрқмайсан,
Чунки у сенга яқинлашмайди.
15 Агар кимдир сенга ҳужум қилса,
Билгинки, уни Мен қилмаган бўламан.
Сенга ҳужум қилган ҳар ким мағлуб бўлади.
16 Темирчига қара!
У тошкўмир чўғини пуфлайди,
Қотиллик учун қурол ясайди.
Уни Мен яратганман.
Вайрон қилсин деб,
Босқинчини ҳам Мен яратдим.
17 Сенга қарши ясалган
Ҳеч қандай қурол сенга бас кела олмайди.
Сен билан даъволашган ҳар бир одамнинг
Даъволарини сен йўққа чиқарасан.
Менинг қулларимга ана шулар насиб қилади,
Ўзим уларга ғалаба ато қиламан.”
Эгамизнинг каломи шудир.

55–БОБ

Худонинг меҳр–шафқати

1 Эгам айтар:
“Эй ташна бўлганлар! Ҳаммангиз сувга келинглар!
Эй пулсизлар, келинг, сотиб олиб, енглар!
Келинг, шаробу сут сотиб олинг пулсиз, текинга!

2 Нима учун пулингизни
Қорин тўйғизмайдиган нарсага сарф қиласиз?
Нима учун ишлаб топганингизни
Қониқтирмайдиган нарсаларга сарф қиласиз?
Эшитинг, Менга қулоқ солинг!
Шунда аъло таомларни ейсиз,
Ёғли таомлар еб, маза қиласиз.

3 Қулоқ солинг, Менга келинг,
Тингланг, шунда яшайсиз.
Довудга ваъда берган содиқ севгим ҳақи
Сиз билан абадий аҳд тузаман.
4 Мана Мен Довудни халқларга гувоҳ қилдим,
Уни халқларнинг ҳукмдори, раҳнамоси қилдим.
5 Ўзингиз танимаган халқларни чақирасиз,
Сизни танимаган халқлар олдингизга келади.
Мени, Исроил халқининг Муқаддас Худоси —
Эгангиз Худони деб
Бу халқлар келади,
Зотан, Мен сизни улуғворликка буркаганман.”

6 Эгангиз ёнингизда экан, Унга интилинг,
У яқинингизда экан, Уни чақиринг!
7 Бадкирдор йўлидан қайтсин,
Гуноҳкор ниятидан қайтсин,
Улар Эгамизга қайтсин,
Эгамиз шафқат кўрсатади,
Улар Худойимизга қайтсин,
Унинг юраги кечиримга бой.

8 Эгамиз шундай демоқда:
“Сизларнинг фикрингиз Меники эмас,
Менинг йўлларим сизларники эмас.
9 Осмон ердан қанчалик баланд бўлса,
Менинг йўлларим ҳам, ўйларим ҳам,
Сизларнинг йўлларингиздан, ўйларингиздан
Шунчалик баланддир.

10 Осмондан қор, ёмғир ёғади.
Улар осмонга қайтмай, ерни суғоради,
Токи ер ўсимлик ўстирсин,
Эккани дон, егани нон берсин.
11 Менинг оғзимдан чиққан сўз шундай бўлади,
Менга бўм–бўш қайтиб келмайди.
Менинг хоҳиш–иродамни ўша сўз бажаради,
Қайси ниятда юборсам,
Ўшани бажо қилади.

12 Ҳа, сиз хурсанд бўлиб борасиз,
Соғ–омон қайтиб келасиз.

Олдингизда тоғлар, тепаликлар
Севинч ила ҳайқиради,
Даладаги ҳамма дарахтлар қарсак чалади.
13 Тиканзорлар ўрнига сарв дарахтлари ўсади,
Газанда ўт ўрнига мирта буталари* ўсади.
Шундай қилиб, булар Мен, Эгангга шараф бўлади.
Туганмас, абадий нишона бўлиб қолади.”

56–БОБ

Ҳамма халқлар Худонинг халқига қўшилади

1 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Адолатни ҳимоя қилинг,
Тўғри ишларни қилинг.
Зотан, яқинда нажот бераман,
Тез орада адолатимни зоҳир этаман.
2 Шаббат кунини таҳқирламай,
Унга риоя қиладиган инсон бахтлидир!
Ҳар қандай ёвузликдан қўлини тийиб,
Барқарор бўлган инсон бахтлидир!”

3 Бегона халқдан бўла туриб,
Ўзини Эгамизга бағишлаган одам:
“Эгамиз мени, барибир, Ўз халқидан ажратади”, деб айтмасин.
Бичилган эркак ҳам:
“Мен қуриган дарахтман”, деб айтмасин.
4 Зотан, Эгамиз ўша эркакларга шундай айтмоқда:
“Шаббат кунига риоя қилинг.
Мени мамнун қиладиганларни танланг.
Менинг аҳдимга содиқ бўлинг.
5 Шунда сизларга уйимда
Ўғилу қизларимникидан ҳам кўра,
Яхшироқ ном, хотира бераман.
Бу ном йўқолмайдиган, абадий бир ном бўлади.”

6 Эгамизни севиб, хизмат қиладиган,
Шаббат кунига риоя этадиган,
Эгамизнинг аҳдига содиқ бўлган,
Бегона халқдан бўлиб туриб,
Ўзини Эгамизга бағишлаганларга
Эгамиз шундай демоқда:
7 “Мен сизларни муқаддас тоғимга* олиб келаман.
Маъбадимда сизларни мамнун қиламан.
Куйдириладиган қурбонликлару назрларингиз
Қурбонгоҳимда қабул бўлади.
Менинг уйим барча халқларнинг ибодат уйи деб аталади.”
8 Тарқалиб кетган Исроил халқини йиғадиган
Эгамиз Раббий айтмоқда:
“Уйимда йиғилганлар ёнига
Мен яна бошқаларни йиғиб келаман.”

Исроил халқининг йўлбошчилари ҳукм қилинади

9 Эй даштдаги ҳамма ҳайвонлар,
Эй ўрмондаги барча ҳайвонлар!
Келинглар, халқимни еб битиринглар!
10 Исроилнинг соқчилари кўрдир!
Уларнинг ҳаммаси идроксиз,
Вовилламайдиган тилсиз итлар кабидир.
Ётиб олиб, туш кўрадилар,
Улар уйқуни яхши кўрадилар.

11 Улар тўйганини билмаган
Очкўз итларга ўхшар,
Бу чўпонлар идроксиз!
Ўз фойдасини кўзлаб,
Ҳар бири ўз йўлидан кетди.
12 Улар шундай дейди:
“Қани, келинглар, шароб ичайлик,
Ичкиликка роса тўяйлик.
Эрта ҳам бугун каби бўлади,
Ҳатто ундан ҳам яхшироқ бўлади.”

57–БОБ

Бутпараст Исроил халқи ҳукм қилинади

1 Эгам айтар: “Солиҳ одамлар ўлиб кетяпти,
Ҳеч ким бу ҳақда фикр юритмайди.
Тақводорлар йўқ бўляпти.
Ёвузликдан қутулсин деб,
Солиҳлар оламдан ўтяпти.
Ҳеч ким бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайди.
2 Солиҳ инсонлар тинчликка эришади,
Тўғри юрганлар ўлимда ҳам ором топади.
3 Сизлар эса, эй фолбиннинг ўғиллари,
Яқинроқ келинг!
Бу ёққа келинг, эй зинокор, фоҳишалар уруғи!
4 Хўш, сизлар кимнинг устидан куляпсиз?
Кимга қарши оғиз очяпсиз?
Кимга қараб тилингизни чиқаряпсиз?
Ахир, итоатсизларнинг болаларисиз–ку!
Ёлғончининг уруғидан келиб чиққансизлар–ку!
Шундай эмасми?!
5 Ҳар бир ям–яшил дарахт остида*
Шаҳват билан гуноҳга берилдингиз!*
Дарё бўйларида, қоялар ковагида
Ўз фарзандларингизни қурбонлик қилдингиз!
6 Сизлар севган бутлар дарёнинг силлиқ тошлари орасидадир!
Ҳа, ўша бутларга сизлар кўнгил қўйгансиз!
Ана ўшаларга шароб назрлари бердингиз,
Уларга дон назрларини атадингиз.

Хўш, булардан Мен хурсанд бўлайми?!
7 Баланд, буюк тоғда ётоқ қурасиз,
Қурбонлик келтирай деб, ўша ерга чиқасиз.
8 Эшикларингиз орқасига,
Эшикларингизнинг кесакиси* ортига
Жирканч тамғаларингизни қўйдингиз.
Ҳа, Мендан юз ўгирдингиз,
Яланғоч бўлиб ётоғингизга кирдингиз,
Ўйнашларингиз билан аҳд туздингиз,
Улар билан ётишни жуда ёқтириб қолдингиз.
Уларнинг яланғоч баданидан кўз узмадингиз.
9 Зайтун мойи билан кўпгина хушбўй атирлар олиб,
Ўз шоҳингизга* ҳадялар қилдингиз.
Узоқларга, ҳатто ўликлар диёрига*
Элчиларингизни юбордингиз.
10 У ёқдан–бу ёққа юраверіб, толиқдингиз,
Аммо шунда ҳам умидингизни узмадингиз.
Қайтадан куч тикладингиз,
Шу боис ҳеч заифлашмадингиз.
11 Ким сизларни ваҳимага солди?
Ким сизларни шунчалик қўрқитди?
Ёлғон гапирдингиз. Мени эсламадингиз!
Мен ҳақимда ўйлаб ҳам кўрмадингиз!
Узоқ сукут сақлаганим сабабли
Мендан қўрқмай қўйдингиз!

12 Мана энди ўзингизча тўғри деб билган
Ўша ишларингизни очиб ташлайман.
Улар сизга битта ҳам фойда келтирмайди.
13 Ёрдам сўраб, фарёд қилганингизда
Атрофингиздаги бутлар сизларни қутқарсин!
Уларнинг ҳаммасини шамол супуриб кетади,
Шабада уларни учириб кетади.
Мендан паноҳ топганлар эса юртни мулк қилиб олади,
Улар Менинг муқаддас тоғимга* эгалик қилади.”
14 Эгам шундай айтмоқда:
“Тупроқ йиғиб, йўлни тайёрланг,
Халқим йўлидаги тўсиқларни олиб ташланг.”

Худонинг мадад ва шифо ҳақидаги ваъдаси

15 Юксак, юқори бўлган, абадий яшайдиган Эгамиз,
Номи муқаддас Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мен юксакда, муқаддас масканда яшайман.
Камтарлар руҳини қайта тиклай деб,
Итоаткорлар қалбини жонлантирай деб,
Руҳи камтар, итоаткор одамлар билан биргаман.
16 Ахир, Мен то абад даъволашмайман,
Абадий қаҳр–ғазабда бўлмайман.
Акс ҳолда, Мен яратган тирик жонзот,
Инсон зоти олдимда тура олмасди.

17 Уларнинг гуноҳу ҳасадгўйлиги туфайли
Ғазабланиб, уларни жазоладим.
Қаҳр билан улардан юз ўгирдим,
Аммо барибир истаган йўлларидан кетдилар.
18 Уларнинг юрган йўлларини кўрдим,
Майли, энди шифо бериб, йўл кўрсатаман,
Уларга ҳам, аза тутаётганларга ҳам
Ўзим тасалли бераман.
19 Уларнинг тилларини мадҳияга тўлдираман.
Узоғу яқиндагиларга тинчлик бўлсин!
— демоқда Эгамиз. —
Мен уларга шифо бераман.
20 Фосиқлар эса тўлқинланган денгиздайдир.
Ҳа, улар тинч тура олмайдиган денгизга ўхшайди.
Ўша денгизнинг сувлари лой, балчиқ келтиради.”
21 Худойим шундай дейди:
“Ёмонларга тинчлик йўқ.”

58–БОБ

Ҳақиқий рўза

1 Эгам айтар:
“Овозингни аямай, қаттиқ ҳайқиргин,
Карнайга ўхшаб, барала бақиргин.
Халқимнинг итоатсизлигини фош қилгин,
Ёқуб хонадонининг гуноҳларини юзига солгин.
2 Худди тўғри йўлдан юрган халққа ўхшаб,
Улар ҳар куни Менга интилгандай бўлади.
Худосининг амрларини унутмаган халқдай,
Йўлларимни билмоқ истайди.
Мендан одил ҳукм сўрайди,
Мен, Худога яқинлашишни истаганга ўхшайди.

3 Эй халқим, сизлар Менга:
«Рўза тутяпмиз–ку, Сен кўрмаяпсан,
Сенга итоат қиляпмиз–ку, нега билмайсан?!» деб айтасизлар.
Ахир, рўза тутган кунингизда хоҳлаган ишингизни қиляпсиз,
Ишчиларингиздан оғир меҳнат талаб этяпсиз.
4 Мана, рўза тутсангиз ҳам
Жанжал, ғавғо қилаверасиз.
Зўравонлик билан қўл кўтараверасиз.
Бундай рўзангиз билан
Овозингизни самоларга етказа олмайсиз!
5 Рўза тутганингизда ўзингизни қийнайсиз,
Эгилган қамишдай бошингизни эгиб юрасиз,
Қанор ёйиб, кул сочиб устига ётасиз*.
Шуни рўза деб атайсизми?!
Мана шулар Мен, Эгангизни мамнун қилади, деб ўйлайсизми?!
6 Мен истаган рўза қуйидагича:

Адолатсизлик кишанларини парчаланг,
Бўйинтуруқ арқонларини узиб ташланг,
Мазлумларни озодликка чиқаринг,
Ҳар қандай бўйинтуруқни синдиринг!
7 Овқатингизни очлар билан баҳам кўринг,
Уйсизларга уйингиздан жой беринг.
Яланғочни кўрганингизда кийим беринг,
Яқинларингиздан ёрдамингизни аяманг.”

8 Шунда нурингиз тонг каби порлайди,
Ўзингиз тезда шифо топасиз.
Эгамиз доим олдингизда юриб, сизларни асрайди,
Ортингиздан Унинг улуғворлиги сизни қўриқлайди.
9 Шунда ёрдам сўраганингизда, Эгамиз жавоб беради,
Фарёд қилганингизда, “Шу ердаман”, деб айтади.
Орангиздан зулм бўйинтуруғини йўқ қилганингизда,
Бармоқни бигиз қилиб, ҳақорат айтишни бас қилганингизда,
10 Очлар учун жон куйдирганингизда,
Мазлумларнинг жонига оро кирганингизда,
Нурингиз зулматда ҳам порлайди,
Энг қоронғи даврингиз ёп–ёруғ кундуздай бўлади.
11 Эгамиз доимо сизга йўл кўрсатади,
Қақраган ерларда ҳам жонингизга озиқ беради,
Шунда сиз суғорилган боғдай,
Сувлари қуримас булоқдай бўласиз.
12 Қадимги вайроналарингиз қайта тикланади,
Кўҳна пойдеворларни қайта кўтарасиз.
Шунда сизларни “Бузуқ деворни тикловчи”,
“Кўчаларни қайта қурувчи” деб чақиришади.

Шаббат кунига риоя қилганнинг мукофоти

13 Шаббат кунини оёқ ости қилманг,
Шу муқаддас кунда
Хоҳлаганингизни қилишдан ўзингизни тийинг.
Шаббат кунини завқли деб билинг.
Эгамизнинг муқаддас кунини шарафли деб билинг.
Бу кунда ўзингиз истаган йўлдан юрманг,
Хоҳлаганларингизни қилаверманг,
Истаган гапларингизни гапираверманг.
14 Шаббат кунига риоя қилсангиз,
Эгамиз туфайли шодлик топасиз,
У сизларни юртнинг баланд чўққиларига олиб чиқади,
Отангиз Ёқубнинг мулкидан баҳраманд қилади.
Эгамизнинг каломи шудир!

59–БОБ

Ишаё халқнинг гуноҳларини ҳукм қилади

1 Нима, Эгамизнинг қўли қисқами? Қутқаролмаса!
Қулоғи оғирми? Эшитмай қолса!

2 Ахир, ўз айбларингиз сизни Худойингиздан айирди,
Гуноҳларингиз туфайли У сиздан юз ўгирди,
Ибодатларингизга қулоқ солмайди.
3 Ана, қўлларингиз қонга булғанган,
Бармоқларингиз гуноҳга ботган,
Оғзингиздан ёлғон чиқаверади,
Тилингиз ҳақсизликни гапиради.

4 Ҳеч кимса, адолат бўлсин, деб айтмайди,
Ҳеч кимса ҳақиқат учун курашмайди.
Беҳуда гаплардан умид қилиб, ёлғонлар айтади,
Бузуқликка ҳомиладор бўлиб, ёвузлик туғади.
5 Сизлар илоннинг тухумини босиб ўтирасиз,
Ўргимчак уясини тўқийсиз.
Бундай тухумни еганлар ўлади.
Агар битта тухум эзилса,
Ундан заҳарли илон ўрмалаб чиқади.
6 Тўқиган уянгиздан кийим чиқмайди,
Сиз тўқиганлар билан ҳеч ким устини ёпа олмайди.
Сизларнинг ишингиз ярамас ишлардир,
Сизларнинг қўлларингиз зўравонликка тўла.
7 Фосиқларнинг оёғи ёмонликка шошилади,
Улар беҳуда қон тўкишга жуда уста.
Уларнинг фикри–зикри гуноҳ билан банд,
Қадамидан ҳалокату вайрона келади.
8 Улар тинчлик йўлларини билмайди,
Юрган йўлида адолат йўқ.
Ўзларига эгри йўллар қилдилар,
Бу йўлдан юрганлар тинчлик билмайди.

Халқ гуноҳларини тан олади

9 Шу боис адолат биздан узоқ,
Худо бизни қутқармайди.
Нур излаймиз, аммо фақатгина зулмат бор,
Ёруғлик излаймиз, аммо зулматда юрамиз.
10 Кўрлардай деворни ушлаб юрамиз,
Кўзи кўрмайдиганлардай пайпасланамиз.
Куппа–кундузи тундагидай қоқиламиз,
Тириклар орасида ўликлардаймиз.
11 Ҳаммамиз айиқ каби бўкиряпмиз,
Ҳаммамиз мусича каби нола қиляпмиз.
Адолат кутяпмиз, аммо у йўқдир,
Нажот кутяпмиз, аммо у биздан узоқда.
12 Ҳа, Худо олдида кўп итоатсизлик қилдик,
Гуноҳларимиз бизга қарши гувоҳлик бериб турибди.
Итоатсизлигимиз кўз ўнгимизда,
Айбларимизни ўзимиз биламиз.
13 Итоатсизлик қилдик, Эгамизни алдадик,
Худойимиздан юз ўгирдик,
Зулм қўзғадик, хиёнат қилдик,

Юракда ёлғон гаплар тўқиб гапирдик.
14 Адолат чекинди, солиҳлик узоққа кетди.
Ахир, ҳақиқат қувиб чиқарилди,
Ҳаққонийликка асло ўрин қолмади.
15 Ҳеч қаерда ҳақиқат йўқ,
Ўзини ёмонликдан олиб қочган одам
Ҳалокатга йўлиқди.

Эгамиз буларни кўриб,
Адолат йўқлигидан озор чекди.
16 Мазлумларга ёрдам берадиган
Ҳеч кимса йўқлигини кўрди,
Ҳеч ким йўқлигидан У ҳайратда қолди.
Шунда Эгамиз Ўз қўли билан қутқаришга киришди,
Худонинг Ўзи уларга нажот берди.
17 У адолатни совутдай кийиб олди,
Нажот дубулғасини бошига кийди,
Эгамиз қасосни либосдай кийиб олди,
Рашкни чопон қилиб ўраб олди.
18 Ҳар кимга қилганига яраша жавоб беради,
Ўз душманларига ғазаб сочади,
Ғанимларидан қасос олади,
Денгиз ортидаги юртларга
Қилганларига яраша тўлиқ қайтаради.
19 Ғарбда Эгамизнинг номидан қўрқадилар,
Шарқда Унинг шуҳратидан қўрқувга тушадилар.
Мана, Эгамиз дарёдай келади.
Ўзининг Руҳи даъват этаётган
Кучли дарёдай келади.

20 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Қутқарувчи Қуддусга* келади,
Ёқуб наслининг гуноҳдан қайтганларига келади.”

21 Эгамиз шундай дейди: “Сиз билан қиладиган аҳдим шудир: сизга берган Руҳим, оғзингизга солган сўзларим сизларни тарк этмайди. Ҳозирдан бошлаб, то абад сизларни, болаларингизни ва набираларингизни ҳеч қачон тарк этмайди.”

60–БОБ

Қуддуснинг улуғвор келажаги

1 Эй Қуддус халқи, тур, порлагин! Ахир, нуринг келди,
Эгамизнинг улуғворлиги устингга ёғилди.
2 Мана, ер юзини зулмат қоплади,
Халқларни қуюқ зулмат босди.
Аммо Эгамиз сенинг олдингга келади,
Ўз улуғворлигини бошинг узра порлатади.
3 Халқлар сенинг нурингга келади,
Тонгги ёруғлигингга шоҳлар келади.
4 Бошингни кўтариб, атрофингга боқ!

Ҳаммаси тўпланиб, сенга келмоқда.
Ўғилларингни узоқлардан олиб келадилар,
Қизларингни чақалоқлардай қўлларда кўтариб келадилар.
5 Ўшанда шуларни кўриб, нур сочасан,
Юрагинг ҳаприқиб, қинидан чиққудай бўлади.
Зотан, денгиз орқали келадиган бойликлар сенга насиб этади,
Халқларнинг бойлиги сенга келади.
6 Юртинг туя сурувларига тўлиб кетади,
Мидиён, Эфахнинг* бўталоқлари билан тўлади.
Уларнинг ҳаммаси Шава юртидан* келади,
Олтину тутатқилар олиб келади.
Улар Эгамизга мадҳлар айтади.
7 Кедарнинг ҳамма қўй сурувлари сенга келади,
Наваётнинг* қўчқорлари сенга хизмат қилади.
Эгамизнинг қурбонгоҳида
Улар қурбонлик деб қабул қилинади.
Эгамиз Ўз уйини янада улуғвор қилади.

8 Булутлар каби, учаётган нима у?
Инларига учаётган каптарларга ўхшаш нима у?
9 Шубҳасиз, денгиз ортидаги юртлар
Эгамизга мунтазир бўлади.
Исроил халқининг Муқаддас Худоси —
Эгангиз Худонинг шарафига
Таршиш* кемалари бошчилигида
Болаларингизни узоқдан олиб келишади,
Олтину кумушлари билан бирга олиб келишади.
Зотан, Эгамиз сени улуғворлик билан қоплаган.

10 Эгамиз Қуддусга шундай дейди:
“Бегоналар деворларингни тузатади,
Шоҳлари сенга хизмат қилади.
Ғазабланганимда сенга жазо берган бўлсам ҳам,
Энди марҳамат қилиб, сенга шафқат қиламан.
11 Дарвозаларинг доимо очиқ бўлади,
Улар кечаю кундуз ёпилмайди.
Шунда халқлар сенга бойликларини олиб келади,
Уларни ўз шоҳлари бошлаб келади.
12 Сенга хизмат қилмаган элату шоҳлик йўқ бўлади,
Ҳа, у халқлар батамом нобуд бўлади.
13 Лубноннинг фахрланган дарахтлари
Сенга олиб келинади.
Сарв, чинор, садр ёғочлари
Муқаддас масканимни безатиш учун келтирилади.
Оёғим турган шу жойга Мен шуҳрат келтираман.
14 Сенга зулм қилганларнинг ўғиллари келиб,
Сенга таъзим қиладилар.
Сендан нафратланганларнинг ҳаммаси
Оёқларингга йиқилади.
Улар сени «Эгамизнинг шаҳри,

Исроил халқининг Муқаддас Худосининг шаҳри — Сион» деб аташади.
15 Илгари сен ташлаб кетилган,
Ҳамма нафрат этган,
Бирор кимса ўтмайдиган жой эдинг.
Энди Мен сени абадий улуғвор қиламан,
Жамики наслларнинг шодлиги қиламан.
16 Элатлар, шоҳлар сени она каби эмизадилар,
Ўшанда Мен, Эганг, сенинг нажоткоринг эканлигимни билиб оласан,
Ёқуб наслининг қудратли Худоси —
Қутқарувчинг Мен эканлигимни англайсан.
17 Сенга бронза ўрнига олтин,
Темир ўрнига кумуш,
Ёғоч ўрнига бронза,
Тош ўрнига темир келтираман.
Тинчлик сенинг ҳакаминг,
Солиҳлик ҳукмдоринг бўлади.
18 Юртингда энди зўравонлик товуши эшитилмайди,
Чегаранг ичида вайронагарчилик, ҳалокат бўлмайди.
Деворларингга, Нажот деб ном қўясан,
Дарвозаларингга, Шараф дея ном берасан.

Худонинг Ўзи Қуддуснинг улуғворлигидир

19 Энди кундузи қуёш сенга нур сочмайди,
Ой ҳам ёруғлик манбаинг бўлмайди.
Сенга Менинг Ўзим то абад нур манбаи бўламан,
Мен, Худойинг, сенинг улуғворлигинг бўламан.
20 Қуёшинг ҳеч қачон ботмайди,
Ойинг энди бошқа яширинмайди,
Чунки Мен сенинг қуёшу ойинг бўламан.
Ҳа, Мен сенинг то абад нуринг бўламан,
Қайғули кунларинг тамом бўлади.
21 Халқингнинг ҳаммаси солиҳ бўлади,
Улар юртни то абад мулк қилиб олади.
Ўзим ўтқазган ниҳолдир улар,
Менга шуҳрат келтирсин деб, яратган
Қўлларимнинг ижоди улар.
22 Энг кичик одамингдан мингта одам чиқади,
Энг заиф одамингдан кучли халқ пайдо бўлади.
Мен, Эганг, буни ўз вақтида тез бажо келтираман.”

61–БОБ

Нажот ҳақида хушхабар

1 Эгамиз Раббийнинг Руҳи мени қамраб олган,
Чунки У мени танлаган.
“Йўқсилларга хушхабар етказсин,
Хаста қалбларга шифо берсин,
Асирларга озодлик эълон қилсин,
Зиндондагиларга эркинлик хабарини берсин” деб,
Эгам мени юборди.

2 “Эгамнинг марҳамат йилини,
Худонинг қасос оладиган кунини эълон қилсин,
Азадорларнинг ҳаммасини овутсин” деб,
Эгам мени юборди.
3 “Қуддусда* нола қилаётганларга тасалли берсин,
Уларга кул ўрнига зеб–зийнат,
Аза ўрнига шодлик мойи,
Маъюс руҳ ўрнига мадҳия берсин” деб,
Эгам мени юборди.
Энди уларни “Эгамиз Ўз шуҳрати учун эккан кўчатлар,
Солиҳлик эманлари” деб аташади.
4 Энди улар қадимги вайроналарни қайта тиклайди,
Азалий вайрона ерларни яна ўнглайди,
Насллар оша вайрон ётган шаҳарларни қайта қуради.

5 Эй халқим, бегоналар келиб, мол–қўйларингизни боқади,
Ёт халқ ўғиллари деҳқонингиз, боғбонингиз бўлади.
6 Сизларни эса Эгамизнинг руҳонийлари деб аташади,
Худойимизнинг хизматкорлари деган ном оласизлар.
Элатларнинг бойликлари сизларники бўлади,
Ўзга халқлардан келган мол–мулк билан фахрланасиз.
7 Уят ўрнига сизлар икки ҳисса улуш оласиз.
Шарманда бўлмайсиз, олган мулкингиздан шодланасиз.
Ҳа, ўз юртингизда икки ҳисса улуш оласиз,
Абадий шодликка эга бўласиз.

8 Эгам айтар: “Мен, Эгангиз, адолатни севаман,
Талончилик, ҳақсизликдан нафратланаман.
Садоқат билан халқимга мукофотини бераман.
Улар билан абадий аҳд тузаман.
9 Уларнинг насли халқлар орасида машҳур бўлади,
Уларнинг зурриёти эллар орасида донг таратади,
Кўрганларнинг ҳаммаси уларни
«Эгамиз барака берган халқ» деб тан олади.”

10 Эгам туфайли мен буюк шодлик топаман,
Худойим деб қалбим жўш уради.
Зотан, У мени нажот либоси билан ўради,
Зафар кийимини менга кийдирди.
Мен тож кийган куёвга ўхшайман,
Зеб–зийнат билан безанган келиндайман.
11 Ер ўсимликни етиштиргани каби,
Боғ экилганларни ўстиргани сингари,
Эгамиз Раббий барча халқлар кўз ўнгида
Солиҳлик ва мадҳияларни етиштиради.

62–БОБ

Қуддуснинг янги номи

1 Қуддус ҳақи, мен сукут сақламайман,

Сион ҳақи, мен жим турмайман.
Унинг зафари тонг каби нур сочмагунча,
Унинг нажоти машъала каби ёнмагунча,
Мен асло жим турмайман.
2 Эй Қуддус халқи, халқлар сизнинг ғалабангизни,
Ҳар бир шоҳ шуҳратингизни кўради.
Улар сизни янги ном билан атайди,
Бу номни Эгамизнинг Ўзи сизларга беради.
3 Сизлар Эгамизнинг қўлида гўзаллик тиллақоши,
Худойингизнинг қўлида шоҳлик тожи бўласиз.
4 Энди сизни “Тарк этилган” деб айтмаслар,
Сизнинг юртингизни “Ташландиқ” деб атамаслар.
Энди сизга “Ундан мамнунман” деган ном берилади,
Юртингизни эса “Оилали” деб айтишади.
Зотан, Эгангиз сиздан мамнун бўлади,
Юртингиз ҳам оилали бўлади.
5 Йигит қиз билан турмуш қургандай,
Ўғилларингиз юртингизга боғланиб,
Унга эгалик қилади.
Куёв келин билан қандай шод бўлса,
Худойингиз сиз билан шундай севинади.

6 Эй Қуддус, деворларингга соқчилар қўйдим,
Улар кечаю кундуз ибодатни бас қилмайди.
Эй Эгамизга ибодат қиладиганлар!
Сизлар ҳам ҳеч жим турманг.
7 Қуддусни барқарор қилгунга қадар,
Уни ер юзининг фахри қилмагунга қадар,
Эгамизга ҳеч тинчлик бермanглар.

8 Эгамиз ўнг қўлини кўтариб,
Ўз қудрати билан онт ичди:
“Ҳеч қачон душманларингизга
Донингизни емиш қилиб бермайман.
Меҳнатингиз сингган шаробни
Бегоналар ичмайди.
9 Ҳа, дон йиққанларнинг ўзи дон ейди–да,
Мен, Эгасига ҳамду сано айтади.
Узумни йиғиб–терганлар
Шаробни муқаддас ҳовлимда ичади.”

10 Эй Қуддус аҳолиси, дарвозалардан чиқинг!
Қайтаётган халққа йўлни тайёрланг!
Тупроқ йиғиб йўл қилинг,
Тошларни териб ташланг,
Халқлар учун байроқ тикинг!
11 Мана, Эгамиз ернинг тўрт четига эълон қилмоқда:
“Гўзал Қуддусга* шундай деб айтинг:
«Қара, нажоткоринг келмоқда,
Ана, Унинг Ўзи тақдирлайди,

Мукофотини Ўзи билан олиб келмоқда.»”
12 Эй Қуддус, сенинг халқингни “Муқаддас” деб айтадилар,
“Эгамиз қутқарган халқ” деб айтадилар.
Сени “Эгамиз излаб топган, тарк этилмаган шаҳар” деб атайдилар.

63–БОБ

Худонинг қасоси ва нажоти

1 Эдомдан келаётган ким?
Қизил либос кийиб,
Бозрах шаҳридан* келаётган ким?
Кўзни қамаштирувчи кийимлар кийиб,
Катта куч билан қадам босган ким?

Эгамиз шундай деди:
“Бу Мен, Эгангизман! Қутқариш кучига эгаман.
Ғалабани эълон қилишга келмоқдаман.”

2 Эй Эгам, нечун кийимларинг қип–қизил?
Нима учун чуқурда узум эзган одамга* ўхшайсан?

Эгамиз жавоб берди:
3 “Узум сиқиш чуқурида Ўзим ишладим,
Ёнимда халқлардан биронтаси йўқ эди.
Ғазаб билан душманларни эздим,
Қаҳр билан уларни оёқ ости қилдим.
Уларнинг қони кийимларимга сачради,
Бутун уст–бошимни ифлос қилди.
4 Ҳа, Мен қасос кунини тайинлаб қўйган эдим,
Халқимни қутқарадиган кун етиб келди.
5 Қарадим, ёрдам берадиган бирор одам йўқ эди,
Қўллаб–қувватлайдиган ҳеч кимса йўқлигидан ҳайратда қолдим.
Шунда Ўзимнинг қўлим ёрдамга келди,
Ўз ғазабим Менга мадад бўлди.
6 Ғазаб билан халқларни тепкиладим,
Жаҳл билан уларни эзиб ташладим.
Уларнинг қонини ерга тўкдим.”

Худонинг Исроил халқига қилган яхшилиги

7 Эгамизнинг содиқ севгиси ҳақида айтаман,
Қилган ишлари учун Эгамизга ҳамдлар айтаман.
Ўзининг меҳр–шафқати, буюк севгиси билан
Исроил халқига қилган буюк эзгуликлари ҳақида айтаман.
8 Эгамиз шундай деди:
“Ҳа, Исроил халқи Менинг халқимдир,
Хиёнат қилмайдиган фарзандлардир.”
Шундай қилиб, Худо уларнинг нажоткори бўлди.
9 Улар қийналганларида, У ҳам азоб чекди,
Эгамизнинг фариштаси уларни қутқарди.
Севгиси, шафқати туфайли Унинг Ўзи уларни қутқарди.

Эгамиз уларни кўтариб, азалдан опичлаб юрарди.

10 Аммо улар исён қилдилар,
Эгамизнинг Муқаддас Руҳини ранжитдилар.
Шунинг учун Эгамиз уларнинг душмани бўлди.
Эгамизнинг Ўзи уларга қарши курашди.
11 Шунда халқ ўтган кунларни,
Мусонинг даврини эслаб, шундай деди:
“Ота–боболаримизни ва уларнинг чўпонларини денгиздан ўтказган қани?
Ўз Муқаддас Руҳини уларнинг орасига юборган қани?
12 Ажойиб қудратли қўли билан
Мусонинг ўнг қўлидан тутган қани?
Ўзининг номини шарафлай деб,
Уларнинг олдидаги сувни иккига бўлган қани?”
13 Эгамиз уларни денгиз тубидан олиб ўтди.
Текис жойда юрган отдай
Улар ҳеч қоқилмасдан ўтди.
14 Водийга ёйилган подага ўхшатиб,
Эгамизнинг Руҳи уларга ором берди.
Ўзининг буюк номи улуғлансин дея,
Эгамиз Ўз халқига йўл кўрсатди.

Меҳр–шафқат ва мадад учун ибодат

15 Эй Эгамиз, осмондан қара,
Муқаддас, улуғворликка тўла
Масканингдан боқ!
Қани энди ғайратинг, қудратинг?
Сен меҳрибонлигингни, шафқатингни
Биздан дариғ тутдинг.
16 Ахир, Сен бизнинг отамизсан, эй Эгамиз!
Иброҳим бизни билмайди,
Ёқуб* бизни танимайди.
Сен бизнинг отамизсан!
Азалдан номинг — “Қутқарувчимиз.”
17 Эй Эгамиз, нега бизни йўлингдан адаштирасан?
Нега бизга Сендан қўрқмайдиган тош юрак бергансан?
Биз Сенинг қулларингмиз.
Бизнинг ҳақи–ҳурматимиз,
Ўзингнинг азиз халқинг ҳақи–ҳурмати
Бизга юз бургин!
18 Сенинг муқаддас масканингга
Биз, азиз халқинг, фақат оз вақт эгалик қилдик.
Энди эса душманларимиз
У ерни оёқ ости қилиб ташлади*.
19 Сенга тегишли бўлмаган халққа,
Сен устидан ҳукмрон бўлмаган элга
Биз аллақачон ўхшаб қолдик.

64–БОБ

1 Эй Эгам, қанийди самоларни ёриб, пастга тушсанг,
Тоғлар олдингда титраса!
2 Аланга ўтинни ёндириб, сувни қайнатгандай,
Сен ҳам пастга тушиб, халқларни титрат.
Токи ғанимларинг номингни билсин.
3 Биз кутмаган ажойиб ишлар қилдинг!
Пастга тушдинг, олдингда тоғлар титради!
4 Ахир, Сенга умид боғлаганларни деб,
Ажойиб иш қиладиган Худо Сенсан.
Сенга ўхшаган худо ҳақида
Азалдан ҳеч ким эшитмаган,
Ҳеч бир қулоққа ҳам кирмаган.
Сенга ўхшаган худони ҳеч бир кўз кўрмаган.
5 Қувонч билан тўғри йўлдан юрганларга,
Сенинг амрларингни бажарганларга
Сен пешвоз чиқасан.
Мана, Сен ғазабдасан,
Биз эса гуноҳ қилдик.
Биз азалдан гуноҳга ботганмиз,
Энди нажот топа оламизми?
6 Ҳаммамиз ҳаром бўлиб қолдик,
Яхши ишларимизнинг ҳаммаси ҳайз латталари кабидир.
Япроқлар каби сўлиб боряпмиз,
Айбларимиз шамол каби, бизни учириб кетяпти.
7 Ҳеч ким Сенга сажда қилмайди,
Ҳеч ким, Эгамга ўзимни боғлай, демайди.
Ахир, Сен биздан юз ўгирдинг,
Бизни ўз гуноҳларимиз измига топширдинг!
8 Аммо энди Сен бизнинг отамизсан, эй Эгамиз!
Биз лоймиз, Сен эса кулолсан,
Ҳаммамиз қўлларингнинг ижодимиз!
9 Эй Эгамиз, бизга бунчалик ғазабингни сочаверма,
Гуноҳларимизни то абад ёдда тутма.
Қара, ахир, ҳаммамиз Сенинг халқингмиз!
10 Муқаддас шаҳарларинг* саҳрога айланди,
Қуддус вайрона бўлди,
Сион чўлу биёбон бўлиб қолди.
11 Бизнинг муқаддас Маъбадимиз, фахримиз,
Ота–боболаримиз Сенга мадҳлар куйлаган жой
Энди ёниб битди.
Бизга қадрли бўлганларнинг ҳаммаси
Вайронага айланди.
12 Эй Эгам! Наҳот шунда ҳам Ўзингни тутиб тураверсанг?!
Сукут сақлаб, бизни қаттиқ жазолайверсанг?!

65–БОБ

Худо ҳукмининг одиллиги

1 Эгам айтар: “Мени сўрамаганларга кўриндим,
Мени изламаганлар топди.
Менга илтижо қилмаган бир халққа:
«Мана Мен! Шу ердаман!» деб айтдим.
2 Итоатсиз халқни
Кун бўйи қучоқ очиб кутдим.
Ана, улар ўзлари хоҳлаган,
Тўғри бўлмаган йўллардан юради.
3 Улар юзимга қараб туриб,
Жаҳлимни чиқаради.
Саждагоҳ боғларда* тўхтовсиз қурбонликлар келтиради,
Ғишт қурбонгоҳларда* тутатқилар тутатади.
4 Улар қабрлар орасида ўтириб,
Яширин жойларда арвоҳларга маслаҳат солади*.
Улар чўчқа гўштини ейди,
Қозонларида ҳаром гўшт қайнатади.
5 Улар бошқаларга шундай дейди:
«Нарироқ тур, менга тегма,
Яна муқаддаслигим юқиб қолмасин.»
Буларнинг ҳаммаси кун бўйи ёниб турган олов кабидир.
Уларнинг тутуни бурнимни ачитади.

6 Мана, ҳаммаси кўз ўнгимда ёзиб қўйилган.
Мен жим турмайман, уларни жазолайман.
Қилмишларига яраша уларга тўлиқ қайтараман.
7 Уларни ўзларининг гуноҳлари учун
Ҳамда оталарининг гуноҳлари учун жазолайман,
— демоқда Эгамиз. —
Ахир, улар тоғларда тутатқилар тутатдилар,
Тепаликларда Мени ҳақорат қилдилар.
Шу боис қилмишларига яраша
Уларга жазосини бераман.”

8 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Агар бир бош узумда ҳали шарбати бор бўлса,
Одамлар: «Уни ташлаб юборманг,
Ҳали фойдаси тегади», деб айтади.
Мен ҳам Ўз қулларим ҳақи шундай қиламан,
Ўз халқимнинг ҳаммасини йўқ қилмайман.
9 Тоғларимни мулк қилиб олсин деб,
Исроил* ва Яҳудо халқига авлод бераман.
Танлаган халқим тоғларимга эгалик қилади,
Менинг қулларим у ерда яшайди.
10 Шарон текислиги қўйлар сурувлари учун яйлов бўлади,
Охор сойлиги* мол–қўйлар учун ўтлоқ бўлади.
Ҳа, бу ерлар Менга интилганларники бўлади.

11 Аммо баъзиларингиз Мен, Эгангизни тарк этдингиз,
Муқаддас тоғимни* унутдингиз!
«Омад» бути учун дастурхон ёздингиз,
«Қисмат» бути учун қадаҳларга шароб қуйдингиз!
12 Шундайларни Мен қиличнинг дамига рўпара қиламан.
Ҳаммангиз тиз чўкасиз, бўғизланасиз.
Ахир, Мен чақирганимда жавоб бермадингиз,
Гапирганимда қулоқ солмадингиз.
Менинг олдимда қабиҳликлар қилдингиз,
Мен хоҳламаган нарсаларни танладингиз.”

13 Шу боис Эгамиз Раббий айтмоқда:
“Менинг қулларим ейди, сизлар эса оч қоласиз,
Қулларим ичади, сизлар ташналикдан азоб чекасиз,
Қулларим шод–хуррам бўлади,
Сизлар эса шармандаю шармисор бўласиз.
14 Қулларимнинг қалби шодликка тўлади,
Улар қўшиқлар куйлайди.
Сизлар эса юрагингиздаги қайғудан дод–вой қиласиз,
Эзилган руҳингиз туфайли увиллаб йиғлайсиз.
15 Мен, Эгангиз Раббий, сизларни ўлдираман,
Сизнинг номингиз танланган халқим орасида
Лаънат сифатида ишлатилади.
Ўз қулларимга эса бошқа ном бераман.
16 Ким ўзига бу юртда барака тиласа,
Мен, содиқ Худонинг номи билан дуо қилади.
Юртда ким онт ичадиган бўлса,
Менинг номим билан онт ичади.
Олдинги қайғулар унутилади,
Қайғу кўз олдимдан йўқотилади.

Янги улуғвор ижод

17 Мана, қаранг! Янги осмон, янги ер яратяпман.
Илгари бўлганлар энди эсланмайди,
Улар ҳеч қачон ёдга олинмайди.
18 Яратаётган ишларим туфайли
То абад шодланинг, хурсанд бўлинг.
Мен Қуддусни шодлик қилиб,
Халқини қувонч қилиб яратяпман.
19 Мен Қуддус туфайли севинаман,
Халқим Менга қувонч келтиради.
Энди Қуддусда ҳеч қачон
Йиғи, фарёд товуши эшитилмайди.
20 У ерда энди гўдаклар ўлмайди,
Бирор қария ёшини яшамай ўтмайди.
Биронтаси юз ёшга кириб оламдан ўтса,
У ҳақда: «Эвоҳ, ёш кетди», деб айтадилар.
Юзга етмай ўлганни лаънати деб биладилар*.
21 Халқим уйлар қуриб, ўзлари ўша ерда яшайди,
Токзорлар ўтқазиб, ҳосилини ўзлари ейди.

22 Энди улар қурган уйларда бошқалар яшамайди,
Эккан дарахтларининг ҳосили бошқаларга насиб бўлмайди.
Халқимнинг умри чинор умридай узоқ бўлади,
Танлаган халқим ўз қўлларининг маҳсулидан узоқ вақт баҳраманд бўлади.
23 Уларнинг меҳнати беҳуда кетмайди,
Насллари бахтсизликка мубтало бўлмайди.
Улар Мен, Эгасидан барака топган халқдир,
Уларнинг авлодига ҳам Мен барака бераман.
24 Менга ёлвормасларидан ҳам олдин
Халқимга жавоб бераман.
Гапираётган пайтининг ўзидаёқ
Уларга қулоқ тутаман.
25 Бўри билан қўзичоқ бирга ўтлаб юради,
Шер ҳам ҳўкиз каби сомон ейди,
Илон эса тупроқ ялайди.
Муқаддас тоғимнинг бирон ерида
Ҳеч бир ёвузлигу ёмонлик қилинмайди.”
Эгамизнинг каломи шудир.

66–БОБ

Худо халқларни ҳукм қилади

1 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Осмон Менинг тахтимдир,
Ер оёғим тагидаги курсидир.
Менга қандай уй қуриб бера оласиз?!
Қайси жой Менга маскан бўла олади?!
2 Ахир, ҳаммасини Ўз қўлларим билан яратганман,
Ҳа, бутун борлиқ Мен туфайли мавжуддир,
— демоқда Эгамиз. —

Камтар, мўмин бўлган одамга,
Каломим олдида титрайдиганга
Мен эътибор билан қарайман.
3 Аммо буқани қурбонлик қиладиган инсон
Одам ўлдирган қотил кабидир.
Қўзини қурбонлик қиладиган одам
Итнинг бўйнини синдирган одам кабидир.
Дон назри қиладиган одам
Чўчқа қонини назр қиладиган одам кабидир.
Тутатқи тутатган одам
Бутга топинадиган одам кабидир*.
Ўшалар ўз йўлларини танладилар,
Қилган жирканч ишларидан жонлари лаззат олар.
4 Мен ҳам уларга қаттиқ жазо танлайман.
Улар нимадан қўрқса, ўшани бошларига соламан.
Ахир, чақирганимда, ҳеч ким жавоб бермади,
Гапирганимда, ҳеч ким қулоқ солмади.
Улар Менинг олдимда қабиҳлик қилдилар,

Менга номаъқул бўлган йўлни танладилар.”

5 Эй Эгамизнинг каломини эшитиб, титрайдиганлар,
Унинг сўзларига қулоқ тутинглар:
“Қардошларингиз сиздан нафратланади,
Менинг номимни деб улар сизни ҳайдаган.
Сизларни мазах қилиб, шундай деган эди:
«Қани, Эгангиз улуғворлигини кўрсатиб,
Сизларни қутқарсин.
Хурсанд бўлганингизни кўрайлик–чи!»
Энди ўшалар шарманда бўлади.”
6 Шаҳардан кучли шовқин–сурон келмоқда!
Маъбаддан бир овоз эшитилмоқда!
Бу Эгамизнинг овозидир!
У Ўзининг душманларига
Қилмишларига яраша қайтаради.

7 Мана, Қуддус тўлғоқ тутмасдан олдин туғди,
Тўлғоқ тутмай туриб, бир ўғил туғди.
8 Ким бундай воқеани эшитган?!
Ким бундай ҳодисани кўрган?!
Хўш, юрт бир кунда пайдо бўладими?!
Бир онда бутун бир халқ дунёга келадими?!
Қаранг, тўлғоғи тутар–тутмас
Қиз Қуддус* ўғиллар туғди.
9 “Туғадиган пайтгача олиб келаман–у,
Туғишга куч бермайманми?!
— демоқда Эгамиз. —
Туғишга куч бераман–у,
Бачадонни ёпиб қўяманми?!”
— деб айтмоқда Худойингиз.
10 Эй Қуддусни севадиганлар,
Қуддус билан бирга севининг,
Ҳаммангиз у билан бирга шодланинг.
Эй Қуддус учун аза тутганлар,
У билан бирга хурсанд бўлинг!
11 Сиз унинг кўкрагидан эмгандай бўлиб,
Тўйиб, тасалли топасиз.
Қониб–қониб ичиб,
Унинг мўл–кўл баракасидан завқ оласиз.

12 Ҳа, Эгамиз шундай айтмоқда:
“Мен Қуддусга тинчликни дарё каби,
Элатларнинг бойлигини тошқин сой каби оқизиб келтираман.
Қуддус сизларни эмизикли боладай қўлларида кўтариб юради,
Сизларни тиззаларига ўтирғизиб, парвариш қилади.
13 Боласини овутган бир она каби,
Мен ҳам сизларни овутаман.
Сизлар Қуддусда тасалли топасиз.”
14 Буларни кўриб, қалбингиз шодликка тўлади,

Танангиз янги майса каби, ҳаёт билан тўлиқ бўлади.
Эгамиз Ўз қулларига қудратини,
Душманларига эса ғазабини кўрсатади.
15 Мана, қаранг! Эгамиз олов билан келмоқда,
Унинг жанг аравалари қуюндай келмоқда.
У аёвсиз қасос олади,
Ғазаби олов каби ёнади.
16 Ҳа, Эгамиз олову қилич билан
Жамики жонзотларга қарши курашади.
Унинг қўлидан кўплари ҳалок бўлади.

17 Эгамиз шундай айтмоқда: “Ўзларини поклаб, бутларга бағишлаганлар, саждагоҳ боғларга* бориб, йўлбошчиларига эргашганлар йўқ бўлади. Чўчқа ва бошқа ҳаром, макруҳ ҳайвонларнинг гўштини ейдиганлар, уларнинг ҳаммаси биргаликда ҳалок бўлади. 18 Уларнинг ишларидан, ўйларидан нафратланаман*. Ҳамма халқларни, элатларни йиғиш вақти келди*. Улар келиб, Менинг улуғворлигимни кўрадилар. 19 Мен уларнинг орасида аломат кўрсатаман. Омон қолганларини қуйидаги халқлар орасига юбораман: Таршиш*, Ливия* халқларига, камонкашлари билан машҳур бўлган Лидия* халқига, Тувал* ва Юнон* халқларига, денгиз ортидаги Мен ҳақимда эшитмаган, Менинг улуғворлигимни кўрмаган халқларга. Улар Менинг буюклигимни ўзга халқларга билдирадилар.”

20 Эгамиз шундай дейди: “Ўшанда улар барча халқлар орасидан қолган ҳамма биродарларингизни олиб келишади. Уларни назр сифатида муқаддас тоғим* — Қуддусга келтиришади. Худди Исроил халқи пок дон назрини Маъбадга олиб келгандай, улар биродарларингизни Қуддусга отларда, жанг аравалари да, от қўшилган аравалар да, хачирларда ва туяларда олиб келишади.” 21 Эгамиз шундай дейди: “Уларнинг орасидан баъзиларини руҳоний, баъзиларини эса леви қилиб тайинлайман.”

22 Эгамиз шундай айтмоқда: “Мен яратадиган янги ер ва янги осмон кўз олдимда қанча турадиган бўлса, авлодларингиз ҳам, номингиз ҳам шунча туради. 23 Ҳар янги ой шодиёнасида, ҳар Шаббат кунида жамики инсонлар ҳузуримга келиб, Менга сажда қиладилар, — демоқда Эгамиз. 24 — Улар ташқарига чиққанларида Менга қарши чиққанларнинг жасадларини кўрадилар. Ўша жасадларни ейдиган қуртлар ўлмайди, уларни ёндирадиган олов ҳеч қачон ўчмайди. Ҳаммаси барча инсон зотига жирканч бўлади.”

ИЗОҲЛАР

1:1 *Яҳудо* — Яҳудо қабиласи Исроилнинг жанубий қисмидаги энг катта қабила эди. Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди (3 Шоҳлар 11:26-12:24 га қаранг). Яҳудо ва Бенямин қабилалари жанубий шоҳлик деб аталадиган бўлди. Жанубий шоҳликнинг пойтахти Қуддус бўлиб қолаверди, уларнинг ўз ҳукмдорлари бор эди. Эски Аҳднинг баъзи парчаларида Яҳудо сўзи жанубдаги иккала қабилага нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:1 *Яҳудода…ҳукмронлик қиларди* — Уззиё милоддан олдинги 781-740 йилларда, Йўтом милоддан олдинги 742-735 йилларда, Охоз милоддан олдинги 735-715 йилларда ва Ҳизқиё милоддан олдинги 716-687 йилларда ҳукмронлик қилган.

1:2 *болалар* — Исроил халқи назарда тутилган.

1:6 *…мой суртилмаган* — зайтун мойи назарда тутилган. Қадимги пайтларда зайтун мойи малҳам сифатида ишлатиларди. У оғриқ қолдириб, терини қуриб кетишдан сақлар эди.

1:7 *…вайрон қилар* — бу ерда қўлланган ибронийча сўз Эски Аҳднинг бошқа жойларида Садўм ва Ғамўранинг ҳалокатига нисбатан ишлатилган (шу бобнинг 9–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

1:8 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 27–оятида ҳам бор). Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

1:9 *Садўм шаҳри…Ғамўра шаҳри* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

1:17 *…Йўлга солинг золимни…* — ёки *…Эзилганларни қутқаринг….*

1:22 *тошқол* — металл эритилганда қоладиган қотишма. У чиқинди ҳисобланади ва ташлаб юборилади.

1:29 *…Ўзингиз хуш кўрган эманлар…Ўзингиз танлаган саждагоҳ боғлар…* — катта дарахтлар остида ва махсус барпо қилинган боғларда кўпинча маҳаллий худоларга қурбонликлар келтириларди.

2:3 *Эгамизнинг тоғи* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

2:6 *Эй Ёқуб хонадони! Халқингизнинг йўлларини сиз тарк этдингиз!* — ёки *Эй Эгамиз! Ёқуб наслини — халқингни Сен тарк этдинг!*

2:6 *башоратгўйлар* — ибронийча матндаги гап шарқдан келган одамлар ёки шарқдан келтирилган ишонч–эътиқодларга ишора қилиши мумкин. *Башоратгўйлар* сўзи контекстнинг мазмуни бўйича мазкур таржимага киритилган.

2:6 *Филистлар юрти* — Исроил юртидан ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

2:13 *Башан* — Жалила кўлининг шимоли–шарқидаги ҳудуд.

2:16 *Таршиш* — ҳозирги Испаниянинг ҳудудида жойлашган бу бандаргоҳ шаҳар

ўзининг катта ва ҳайбатли кемалари билан машҳур эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

3:9 *Садўм* — 1:9 изоҳига қаранг.

3:14 *Менинг узумзорим* — Исроил халқига ишора (5:1-7 га қаранг).

3:16 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 17–оятида ҳам бор). 1:8 изоҳига қаранг.

4:5 *...кундузи булутни, Тунлари тутунни, ёруғ алангани...* — Худо Исроил халқининг аждодларини қирқ йил давомида саҳрода бошлаб борган. Бу оятда ишлатилган тасвир Исроил халқига ўша воқеаларни эслатади (Чиқиш 13:20-22, 40:36-38 га қаранг).

4:5 *Сион тоғи* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

5:2 *Узум сиқиш чуқури* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

5:10 *Йигирма таноб* — ибронийча матнда *Ўнта бўйинтуруқ*, яъни ўн жуфт ҳўкиз бир кунда шудгор қиладиган дала (тахминан 4 гектар).

5:10 *икки кўза* — ибронийча матнда *бир бат*, тахминан 22 литрга тўғри келади.

5:10 *Ўн сават* — ибронийча матнда *Бир ҳўмр*, тахминан 220 литрга тўғри келади.

5:10 *бир сават* — ибронийча матнда *бир эфа*, тахминан 22 литрга тўғри келади.

5:14 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

5:17 *...Сарсон бўлиб юрган бўрдоқилар Еб тўяди вайроналарда* — ёки *...Бегоналар бойларнинг вайроналари орасида еб тўядилар*.

5:26 *Узоқдаги халқлар* — Оссурия ва Бобил халқлари назарда тутилган бўлиши мумкин. Оссурия лашкари милоддан олдинги 722 йилда Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олди. Милоддан олдинги 701 йилда эса Оссурияликлар Яҳудога, яъни жанубий шоҳликка ҳужум қилишди, аммо уни босиб ололмай, ортга чекинишди. Яҳудони милоддан олдинги 605 йилда Бобил лашкари босиб олди.

6:1 *Шоҳ Уззиё вафот этган йили* — Уззиё Яҳудода, яъни жанубий шоҳликда ҳукмронлик қилган бўлиб, тахминан милоддан олдинги 740 йили вафот этган.

6:2 *серафлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *оловли зотлар*. Эҳтимол, бу илоҳий зотларнинг кўриниши олов сингари бўлган.

7:1 *Охоз* — милоддан олдинги 736-716 йилларда Яҳудода, яъни жанубий шоҳликда ҳукмронлик қилган.

7:2 *Довуд хонадони* — шоҳ Охоз ва унинг сарой аъёнлари. Шоҳ Довуд Яҳудо шоҳларининг бобокалони эди.

7:2 *Эфрайим* — Эфрайим қабиласи Исроилнинг шимолий қисмидаги энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Бу шоҳликнинг

пойтахти Самария эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭФРАЙИМ сўзига қаранг.

7:3 *Шерёсуб* — ибронийчадаги маъноси *омон қолганлар қайтади*.

7:6 *Тўвал ўғли* — Тўвалнинг ўзи ҳақида ҳам, ўғли ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Исмига қараганда Тўвал Орамлик бўлиши мумкин.

7:11 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 5:14 изоҳига қаранг.

7:14 *қиз* — бу ўринда ишлатилган ибронийча сўз бокира қизга ишора қилиши мумкин (мисол учун, Ибтидо 24:34 га қаранг), аммо одатда умуман ёш аёлга нисбатан ишлатилган. Бу ўринда Ишаё ишора қилаётган аломат маълум бир ёш аёл ҳомиладор бўлиб, ўғил кўриши ҳақидаги башоратдир. Бу башоратга кўра, ўша ўғил аниқ бир ёшга етгунча 15-16–оятларда баён этилган воқеалар содир бўлади. Баъзан башоратлар икки қирралидир. Бу башорат нафақат ўша замонда бўладиган воқеаларга, балки узоқ келажакда бўладиган воқеага ҳам тааллуқли. Башоратнинг яна бир маъноси шуки, узоқ келажакда бокира қиз ҳомиладор бўлиб, шоҳ Довуднинг авлоди бўладиган ўғил кўради. Мана шу ўғил Масиҳ, яъни Нажоткор бўлади (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг).

7:14 *Иммануил* — ибронийчадаги маъноси *Худо биз биландир*.

7:15 *қатиқ ва асал* — кунда истеъмол қилинадиган, оддий таомлар эди. Шу бобнинг 20-25–оятларига кўра, бу гап халқ келажакда қийинчиликда, қашшоқликда яшашга маҳкум бўлишини билдиради.

7:17 *...Эфрайим Яҳудодан ажралиб чиққандан бери...* — шоҳ Сулаймон милоддан олдинги 931 йилда вафот этгандан кейин, Исроил шоҳлиги иккига бўлинди. Шимолдаги шоҳлик — Исроил ёки Эфрайим, жанубдагиси эса Яҳудо деб аталадиган бўлди (3 Шоҳлар 11:41-12:19 га қаранг).

7:20 *...соқолингизни бутунлай қириб ташлайди, бошу оёғингизда бирорта тук қолмайди* — бу кўчма маънодаги гап бўлиб, Исроил халқи мағлубиятга учрашини ва шармандаликка дучор бўлишини билдиради.

7:23 *Минг кумуш танга* — ибронийча матнда *Минг шақал кумуш*, тахминан 11 килога тўғри келади.

8:1 *Мохиршалолхошбоз* — ибронийчадаги маъноси *тўсатдан ҳужум қилинган, тез тортиб олинган* (шу бобнинг 3–оятида ҳам бор).

8:6 *тинч оқадиган Шилўвах сувлари* — Гихўн булоғидан Қуддусга оқиб келадиган ариқ назарда тутилган. Бу сувлар Худонинг тинчлиги ва баракаси рамзидир. Оссуриянинг тошқин сувлари эса, бунга зид ҳолда, Худонинг ҳукми белгисидир (шу бобнинг 7-8–оятларига қаранг).

8:8 *Худо биз биландир* — ибронийча матнда *Иммануил* (7:14 га қаранг). Шу бобнинг 10–оятида ҳам бор.

8:17-18 *Исроилда биз белги ва аломатмиз* — Ишаё билан унинг икки ўғли — Шерёсуб ва Мохиршалолхошбоз исмларининг маъносига ишора (7:3 га ва шу бобнинг 1, 3–оятига қаранг). Ибронийчада Ишаё исмининг маъноси — *Худо қутқаради*, Шерёсуб исмининг маъноси — *омон қолганлар қайтади* ва Мохиршалолхошбоз исмининг маъноси — *тўсатдан ҳужум қилинган, тез тортиб олинган*.

8:20 *Сизлар уларга эмас, Худонинг йўл–йўриқлари ва таълимотига маслаҳат*

солинг — Қонунлар 18:9-14 га қаранг.

9:1 *Забулун ва Нафтали юрти* — Забулун ва Нафтали қабилалари Исроил халқининг ўн икки қабилаларига кирар эди. Уларга мулк қилиб берилган ерлар Исроилнинг шимолида, Жалила кўлининг ғарб томонида жойлашган.

9:1 *Иорданнинг нариги томонидаги ўлка* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги Гилад ўлкаси назарда тутилган бўлиши мумкин.

9:1 *ғайрияҳудийлар Жалиласи* — Жалила ҳудуди Исроил, яъни шимолий шоҳликнинг бир қисми эди. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар Исроилни босиб олдилар. Улар Исроил халқининг кўпини асир қилиб олиб кетдилар (4 Шоҳлар 17:1-6 га қаранг). Оссурия шоҳи бошқа халқларни — ғайрияҳудийларни Исроил юртига мажбурлаб кўчирди (4 Шоҳлар 17:24 га қаранг).

9:4 *...Мидиён халқи каби, Мағлуб қилгансан* — Худо Гидўнга Мидиён халқи устидан буюк ғалаба берган пайт назарда тутилган (Ҳакамлар 7:1-25 га қаранг).

9:6 *Ажойиб Маслаҳатчи* — ёки *Ажойиб, Маслаҳатчи*. Яна 11:2 га қаранг.

9:9 *Эфрайим* — 7:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

9:10 *шикамора–анжир дарахтлари* — анжирнинг қадимги Яқин Шарқда кенг тарқалган бир тури. Катталиги ёнғоқ дарахтидай, барглари эса тут баргларига ўхшаш бўлиб, йил давомида бир неча бор ҳосил берадиган серсоя дарахт.

9:10 *Ғиштин...Йўнилган тошлар...Шикамора–анжир дарахтлари...садр дарахтлари...* — ғишт ва анжир дарахтлари оддий қурилиш ашёлари, йўнилган тошлар ва садр дарахтлари эса қиммат қурилиш ашёлари эди.

9:14 *...бошини ва қуйруғини, Хурмосини ва қамишини...* — халқнинг йўлбошчилари ва насиҳатгўйларига ишора.

9:21 *Манаше қабиласи...Эфрайим қабиласи...Яҳудо...* — Манаше ва Эфрайим Исроилни, яъни шимолий шоҳликни ташкил қилган ўнта қабиладан иккитаси, Яҳудо эса жанубий шоҳликни ташкил қилган иккита қабиладан асосийси эди (1:1 нинг биринчи изоҳига ва 7:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

10:5 *Оссурия* — милоддан олдинги 701 йилда Исроилни босиб олган Оссурия шоҳи Санхарив назарда тутилган бўлиши мумкин.

10:9 *Хално...Кархамиш...Хомат...Арпад...* — бу шаҳарлар ҳозирги Суриянинг шимолида жойлашган эди.

10:9 *...Самария Дамашқ...* — Самария Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти, Дамашқ Орам юртининг пойтахти эди.

10:20 *ўз зулмкорлари* — Оссурия халқи назарда тутилган.

10:21 *...омон қолганлари Қайтади...* — ибронийча матнда *...шерёсуб...* 7:3, 8:17-18 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг.

10:24-25 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

10:26 *...Мидиёнларни Орив қоясида шундай қирган эдим* — Ҳакамлар 7:22-25 га қаранг.

10:26 *...Миср лашкарини денгизда ғарқ қилдим* — Чиқиш 14:26-28 га қаранг.

10:27 *...бўйинтуруқ йўқ қилинади, чунки сизлар кучга тўлдингиз* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...семизлик туфайли бўйинтуруқ йўқ қилинади*. Бу ўринда семизлик сўзи ижобий маънода бўлиб, Худо Ўз халқига барака беришига,

уларни яна кучли қилишига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Ҳўкиз семирганда шунчалик катта бўлиб кетадики, бўйинтуруқ унинг бўйнидан синиб тушади. Бўйинтуруқ йўқ қилинади, деган жумлада шу ҳодиса назарда тутилган бўлиши мумкин.

10:28 *Ояз шаҳри* — Ай шаҳрининг яна бир номи бўлиши мумкин. Шу бобнинг 28-32–оятларида айтиб ўтилган жойлар Қуддус яқинида эди. Шимолдан келган босқинчилар Қуддусга ҳужум қилиш учун шу ерларни босиб ўтардилар.

11:1 *Эссай* — шоҳ Довуднинг отаси.

11:9 *Муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

11:10 *…Эссайнинг томиридан чиққан…* — яъни шоҳ Довуднинг наслидан бўлган (шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг).

11:11 *Мисрнинг шимолий ва жанубий ҳудудларидан…* — ибронийча матнда *Мисрдан, Патрўсдан…*. Мисрнинг жанубий ҳудуди қадимда Патрўс номи билан аталар эди.

11:11 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

11:11 *Элам* — бу юрт Бобил юртидан жануби–шарқда, ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган эди.

11:11 *Бобил* — ибронийча матнда *Шинар*, Месопотамиядаги, яъни Дажла ва Фурот дарёлари орасида жойлашган ерлардаги бир ҳудуднинг қадимги номи. Бобил шоҳлиги дастлаб шу ерда барпо бўлиб, кейинчалик кўп ерларни эгаллаган буюк шоҳлик бўлган.

11:11 *Хомат* — бу шаҳар ҳозирги Сурияда жойлашган эди.

11:13 *Эфрайим* — 7:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

11:14 *Эдом, Мўаб* — Эдом Ўлик денгизнинг жанубида, Мўаб Ўлик денгизнинг шарқида жойлашган юртлар эди.

11:14 *Оммон халқи* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ҳудудларда яшаган халқ.

11:15 *Қизил денгизнинг қўлтиғи* — ибронийча матнда *Миср денгизининг тили*, ҳозирги Суэц қўлтиғи назарда тутилган.

11:15 *Гармсел* — иссиқ шамол.

12:2 *Эгамнинг Ўзи* — ибронийча матнда *Йаҳ Йаҳвеҳ*. Ибронийчада *Йаҳвеҳ* Худонинг исмидир, *Йаҳ* — *Йаҳвеҳ*нинг қисқа шакли.

12:2 *…куч–қудратимдир* — ёки *…қудратим, шукрона қўшиғимдир*.

12:6 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

13:6 *Эгамизнинг куни* — Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бир неча марта учрайдиган ибора. Кўпинча бу ибора Худо берадиган жазога ишора қилади. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

13:17 *Мидияликлар* — Мидия ҳозирги Эроннинг шимоли–ғарбида жойлашган қудратли шоҳлик эди. Кейинчалик Мидия Форс шоҳлигининг энг муҳим

вилоятларидан бири бўлиб қолди.

13:19 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

13:19 *Садўм, Ғамўра* — 1:9 изоҳига қаранг.

14:4 *Зўравон* — Қумрон қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан.

14:9 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл* (шу бобнинг 11, 15–оятларида ҳам бор). 5:14 изоҳига қаранг.

14:21 *Отаси* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *Ота–боболари*.

14:28 *Шоҳ Охоз вафот этган йили* — Охоз Яҳудода, яъни жанубий шоҳликда ҳукмронлик қилиб, тахминан милоддан олдинги 715 йили вафот этган.

14:29 *Бизни урган таёқ* — шоҳ Охоз ёки Оссурия шоҳларидан бири назарда тутилган бўлиши мумкин.

14:31 *Эй Филистлар...эй шаҳар!* — Филист халқи қуйидаги бешта шаҳар–давлатни барпо қилган эди: Ғазо, Ашдод, Ашқалон, Эхрон ва Гат. Бу шаҳарлар Филистияда, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди.

14:31 *Шимолдан* — шимол томондан ҳужум қиладиган Оссурия ва Бобил халқларига ишора.

14:32 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

15:1 *Мўаб* — 11:14 нинг биринчи изоҳига қаранг.

15:1 *Хир шаҳри* — Хир–Харасотнинг яна бир номи. Бу шаҳар Мўаб юртининг пойтахти эди.

15:2-3 *...сочлари қирилган...соқоли олинган...[3]...қаноргa ўранган* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Сочни қириш, соқолни олиш ва қаноргa ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

15:9 *Дибондаги сувлар* — Арнон дарёси назарда тутилган бўлиши мумкин.

15:9 *...Дибон...Дибон...* — Қумрон қўлёзмаларидан, қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан ва қадимий лотинча таржимадан. Ибронийча матнда *...Димон...Димон...*.

16:1 *Села шаҳри* — Ўлик денгиздан қарийб 40 километр жанубда, Эдом юртида жойлашган.

16:2 *Арнон сойлиги* — Мўаб юртининг шимолий чегараси. Арнондаги сой ғарб томонга оқиб, Ўлик денгизга қуйилади.

16:7 *Хир–Харасот* — 15:1 да айтиб ўтилган Хир шаҳрининг яна бир номи (шу бобнинг 11–оятида ҳам бор).

16:10 *Узум сиқиш чуқурлари* — 5:2 изоҳига қаранг.

16:11 *Хир–Харасот* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Хир–Харес*.

16:12 *...Саждагоҳига келиб, илтижолар қилса...* — Мўаб халқи ўз худоси Хамўшга илтижо қиларди (Саҳрода 21:29 га қаранг).

17:1 *Дамашқ* — Орам юртининг пойтахти.

17:3 *Эфрайим юрти* — 7:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

17:5 *Рафа водийси* — Қуддусдан бир неча километр жануби–ғарбда жойлашган.

17:8 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

18:1 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш* (11:11 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

18:1 *Қанотлар гувиллашига тўлган юрт* — ўша жойда кўп учраган қанотли ҳашаротлар ёки кейинги оятда айтиб ўтилган кемаларнинг елканлари назарда тутилган бўлиши мумкин.

19:9 *Зиғир толасига ишлов берадиганлар…Оқ мато тўқийдиганлар…* — зиғир ва пахта Нил дарёси бўйларида экилар эди. Мана шу маҳсулотлардан ишлаб чиқариладиган матолар Миср иқтисодининг асосий қисмини ташкил қилар эди.

19:11 *Зўван* — Нил дельтасида жойлашган Мисрнинг бир муҳим шаҳри.

19:13 *Нуф* — Мемфис номи билан ҳам маълум. Мемфис шаҳри Миср шимолий ҳудудининг маркази бўлиб, Миср тарихида бирмунча вақт пойтахт ҳам бўлган эди.

19:15 *На боши, на қуйруғи, на хурмоси, на қамиши* — 9:14 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

19:18 *иброний тили* — ибронийча матнда *Канъон тили*. Бу ўринда қадимги ибронийча назарда тутилган.

19:18 *“Қуёш шаҳри”* — Қумрон қўлёзмаларидан, баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий лотинча таржимадан. Ибронийча матнда *“Вайрона шаҳар”*. “Қуёш шаҳри” номи остида Гелиополь шаҳри назарда тутилган бўлиши мумкин. Бу шаҳар ҳозирги Қоҳирадан қарийб 11 километр шимоли–шарқда, Нил дарёси бўйида жойлашган.

20:1 *Оссурия шоҳи Саргон…Ашдодни қўлга олди* — Саргон II Филистларнинг бу шаҳрини милоддан олдинги 711 йилда босиб олган.

20:2 *қанор* — дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанорга ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган. Пайғамбарларнинг одатдаги кийими ана шу матодан тикилган бўлиши ҳам мумкин (4 Шоҳлар 1:8, Закариё 13:4 га қаранг).

20:3 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш* (11:11 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Шу бобнинг 4, 5–оятларида ҳам бор.

20:6 *қирғоқдаги юртнинг аҳолиси* — Филист халқи назарда тутилган бўлиши мумкин.

21:1 *Денгиз бўйидаги саҳро* — Бобил юрти назарда тутилган бўлиши мумкин (шу бобнинг 9–оятига қаранг). Бобил юртининг Форс қўлтиғидаги жанубий қисми баъзан “денгиз бўйидаги ер” деб аталган. Худо Бобил юртига даҳшатли жазо бериши муқаррар эди. Шу боис пайғамбар бу юртни саҳро деб атаган бўлиши мумкин.

21:2 *…Элам…Мидия…* — 11:11 нинг учинчи изоҳига ва 13:17 нинг изоҳига қаранг. Мана шу икки шоҳлик Форс лашкари билан бирлашиб, Бобилга ҳужум қилдилар ва уни мағлуб этдилар (шу бобнинг 9–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

21:8 *…қоровул шердай ўкириб қолди* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…шер ўкириб қолди*. Қумрон қўлёзмаларида, қадимий сурёнийча таржимада

...қоровул ўкириб қолди.

21:9 *...Бобил қулади...* — Бобил шаҳрини милоддан олдинги 539 йилда шоҳ Куруш бошчилигида Мидия ва Форс лашкарлари босиб олгани назарда тутилган. Шоҳ Куруш яна Кир исми билан танилган.

21:10 *янчилган* — донни бошоқдан ажратиш жараёни янчиш дейилади. Қадимги Яқин Шарқда бу иш дон бошоқларини таёқ билан уриш, устидан тепкилаш ёки хўптир юргизиш орқали бажарилган (хўптир — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта). Янчиш сўзи кўпинча Эски Аҳдда ҳукмга ёки урушда ҳалокатга дучор бўлишга нисбатан кўчма маънода ишлатилган.

21:11 *Думах* — Арабистон саҳросининг шимолида жойлашган воҳа ёки Эдом юрти назарда тутилган бўлса керак.

21:11 *Сеир* — Эдом юртига қарашли бўлган тоғли ерлар (яна 11:14 нинг биринчи изоҳига қаранг).

21:13 *Дедон* — Арабистон ярим оролининг шимоли–ғарбида жойлашган шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудуд.

21:14 *Темо* — Арабистон ярим оролининг шимолидаги ерлар.

21:16 *Кедар* — Арабистон саҳросидаги ерлар.

22:1 *Ваҳий водийси* — Қуддус шаҳри назарда тутилган.

22:1 *...томларга чиқиб...* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

22:6 *Элам* — 11:11 нинг учинчи изоҳига қаранг.

22:8 *"Лубнон ўрмони" деган уй* — шоҳ Сулаймон томонидан қурилган бўлиб, қалқонлар сақланадиган омбор эди (3 Шоҳлар 7:2, 10:16-17 га қаранг).

22:11 *...икки девор ўртасида...* — баъзи шаҳарларнинг ташқи ва ички деворлари бўлган. Бу деворларнинг оралиғида бўш жойлар бўлган. Душман ташқи деворни бузган тақдирда ҳам, ички девор шаҳарни ҳимоя қилган.

22:12 *Сочларингизни қириб, қаноргa ўранинг...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Сочни қириш ва қаноргa ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

22:15 *Шавна* — Яҳудонинг, яъни жанубий шоҳликнинг шоҳи Ҳизқиё ҳукмронлиги даврида хизмат қилган (36:1-37:7 га қаранг).

22:20 *Элияқим* — Яҳудонинг, яъни жанубий шоҳликнинг шоҳи Ҳизқиё ҳукмронлиги даврида хизмат қилган (36:1-37:7 га қаранг).

22:22 *Довуд хонадонининг калити* — яъни Довуд авлодидан бўлган шоҳ Ҳизқиё Элияқимга берган юксак ҳокимият. Бу ўринда шоҳнинг ҳузурига киришга рухсат берадиган ҳокимиятга ишора қилинаётган бўлиши мумкин.

23:1 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий ҳудудини ташкил қилади. Шаҳарнинг бир қисми қўрғон бўлиб, бу қўрғон кичкина оролда, денгиз қирғоғидан узоқ бўлмаган жойда қурилган эди.

23:1 *Таршиш* — 2:16 изоҳига қаранг.

23:1 *Кипр* — ибронийча матнда *Киттим*, Кипрнинг қадимги номи (шу бобнинг 12–оятида ҳам бор).

23:2 *Сидон* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Тир шаҳридан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу шаҳар Ливан мамлакатининг жанубий ҳудудини ташкил қилади.

23:3 *Шихор* — Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган бўлиши мумкин.

23:10 *Нил бўйидаги деҳқонлар каби, Ерларингга ишлов бер* — Қумрон қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *Нилни кечиб ўтгандай, юртингизни кесиб ўтинглар*.

23:10 *...Ерларингга ишлов бер...бандаргоҳинг йўқ энди* — Таршишлик савдогарлар Ўрта ер денгизи бўйидаги бандаргоҳ шаҳар Тирда тижорат қилиб, кўп фойда олишарди. Пайғамбар ўша савдогарларга, энди деҳқон бўлинглар, деб маслаҳат беради, чунки Тир вайрон бўлади. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

23:13 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

23:14 *бошпанангиз* — Тир шаҳри назарда тутилган (шу бобнинг 10–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг).

25:6 *Бу тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

25:10 *Мўаб* — 11:14 нинг биринчи изоҳига қаранг.

26:4 *Унинг Ўзи* — ибронийча матнда *Йаҳ Йаҳвеҳ*. Ибронийчада *Йаҳвеҳ* Худонинг исмидир, *Йаҳ* — *Йаҳвеҳ*нинг қисқа шакли.

27:1 *Левитан* — Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ. Левитан ҳалокат келтирувчи денгиз кучларининг ва ўрнатилган барча тартибга таҳдид соладиган бузғунчи кучларнинг рамзидир. Муқаддас Китобда Худонинг Левитан устидан қозонган ғалабаси Унинг куч–қудрати рамзидир. Зотан, Худо бутун борлиқ устидан, шунингдек, Ўз халқининг душманлари устидан ғолиб бўлган қудратли Ҳукмдордир.

27:2 *узумзор* — 5:1-7 га қаранг.

27:9 *Ашера* — 17:8 изоҳига қаранг.

27:12 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна Ибтидо 15:18, Саҳрода 34:5 ва Ёшуа 13:3, 15:4, 47 га қаранг).

27:12 *янчади* — 21:10 изоҳига қаранг. Исроил халқи бошқа халқлар орасига тарқалиб кетгандан кейин, Худо ўша халқларни ҳукм қилади. Деҳқон донни бошоқдан ажратиб йиғиб олгандай, Худо ҳам Ўз халқини ўша халқлар орасидан ажратиб йиғиб олади.

27:13 *Қуддусдаги муқаддас тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

28:1 *Эфрайим* — 7:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

28:2 *...Раббийнинг кучли бир баҳодири бор* — Оссурия шоҳига ишора.

28:10 *...бидир–бидир қиласан, Гўдакдай гувранасан* — ибронийча матнда *...сав ласав, сав ласав, қав лақав, қав лақав*. Бу товушлар чақалоқлар оғзидан чиқадиган маъносиз товушларга ўхшайди. Оссурия халқи юртни босиб олгандан кейин, Оссурияликларнинг тили халқнинг қулоғига шу товушлар каби эшитилади (шу бобнинг 11–ояти изоҳига қаранг).

28:11 *...Ўзга тил...тушунарсиз шева...* — Исроил халқини босиб олган Оссурияликларнинг тили назарда тутилган. Исроил халқи уларнинг тилини тушунмас эди.

28:13 *...мазмунсиз сўзлар...Гўдакнинг гувраниши...* — ибронийча матнда *...сав ласав, сав ласав, қав лақав, қав лақав...* (шу бобнинг 10–ояти изоҳига қаранг).

28:15 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл* (шу бобнинг 18–оятида ҳам бор). 5:14 изоҳига қаранг.

28:16 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

28:16 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

28:20 *Ётгани тўшагингиз...энсизлик қилади* — бу ибронийча мақол бўлиб, одамларнинг ишончли деб билган нарсалари уларнинг хотиржам яшашларига омил бўла олмаслигини таъкидлайди (шу бобнинг 15, 18–оятларига қаранг).

28:21 *Перазим тоғидагидай...* — 2 Шоҳлар 5:17-21 га қаранг.

28:21 *Гивон водийсидагидай...* — Ёшуа 10:7-14 га қаранг.

28:28 *...янчилмайди* — 21:10 изоҳига қаранг.

29:1 *Ориёл* — Сион тоғи, яъни Қуддуснинг шеърий номи (4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Ориёл номи ибронийчадаги *қурбонгоҳ* сўзига оҳангдош.

29:2 *қурбонгоҳ* — ибронийча матнда *Ориёл*. Шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

29:3 *қамал иншоотлари* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча девор ёнига баланд қурилмалар ясаганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

29:7 *Қуддус* — ибронийча матнда *Ориёл*. Шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

29:11 *ўрама қоғоз* — папирус ёки ошланган теридан қилинган узун ўралган қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар одатда ўрама қоғоз шаклида бўлган.

29:17 *Лубнон ўрмони* — Лубнон тоғларида ўсадиган садр дарахтлари дунёнинг ўша ҳудудидаги энг катта дарахт турларидан эди.

30:4 *...Зўван...Ханес...* — Зўван Мисрнинг шимоли–шарқида, Ханес Мисрнинг жанубида жойлашган шаҳарлар эди.

30:7 *Раҳоб* — Левитаннинг яна бир исми, Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ (27:1 изоҳига қаранг). Бу ўринда Раҳоб Мисрнинг шеърий номи сифатида келган.

30:27 *...Қалин булут ичида...* — ёки *...Қаттиқ ҳукм билан...*.

30:29 *муқаддас байрам* — Фисиҳ зиёфати назарда тутилган бўлиши мумкин. Бу зиёфат Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлганини нишонлаш учун ўтказиларди (Чиқиш 12:1-42 га қаранг).

30:29 *Эгамизнинг тоғи* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

30:33 *Тофат* — Қуддусга яқин бўлган қабристон (Еремиё 7:32, 19:6, 11 га қаранг). Бир вақтлар у ерда бутпарастларнинг саждагоҳи бўлган. Ўша саждагоҳда одамлар

ўз болаларини Оммон халқининг худоси Мўлахга қурбонлик қилиб, оловда куйдиришган (4 Шоҳлар 23:10, Еремиё 7:30-31 га қаранг).

31:9 *Оссуриянинг суянган қояси* — Оссурия шоҳи назарда тутилган бўлиши мумкин.

33:4 *чигирткалар* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

33:5 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 14–оятида ҳам бор). 1:8 изоҳига қаранг.

33:7 *Тинчлик элчилари* — 36:1-3, 22 га қаранг.

33:8 *...шаҳарлар вайрон бўлди...* — ибронийча матндан. Қумрон қўлёзмаларида *аҳдларнинг гувоҳлари хор бўлди*.

33:9 *Шарон текислиги* — Ўрта ер денгизи бўйидаги, Кармил тоғи (шимол томонда) ва Яффа шаҳри (жануб томонда) орасидаги унумдор текислик.

33:9 *Башан* — Жалила кўлининг шимоли–шарқидаги ҳудуд.

33:23 *Кемангизнинг мачтаси мустаҳкам эмас...елкани ёйилмайди* — кўчма маънодаги гап бўлиб, Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолисининг ожизлигини, Худонинг ёрдамига муҳтож эканликларини кўрсатади (шу бобнинг 22–оятига қаранг).

34:4 *ўрама қоғоз* — 29:11 изоҳига қаранг.

34:5 *...самоларда Менинг қиличим пайдо бўлди* — Қумрон қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *...самоларда Менинг қиличим тўйиб қон ичди* ёки *...самоларда Менинг қиличим қонга бўкди*.

34:5 *Эдом* — 11:14 нинг биринчи изоҳига қаранг.

34:6 *Бозрах шаҳри* — Эдом юртининг пойтахти.

34:8 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

34:11 *...бойқушлару кирпилар...Укки...* — ибронийча матнда айтиб ўтилган бу ҳайвонларнинг қандай ҳайвон эканлиги баҳсли.

34:15 *илонлар* — ибронийча матнда айтиб ўтилган бу ҳайвон қандай ҳайвон эканлиги баҳсли.

34:16 *Эгамизнинг китоби* — Худо Ишаёга берган башоратлар назарда тутилган бўлиши мумкин.

35:2 *Шарон текислиги* — 33:9 нинг биринчи изоҳига қаранг.

35:8 *Бу йўлдан...адашмайди* — ёки *Идроксизлар ҳеч қачон бу йўлдан юра олмайди*.

35:10 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

36:1 *Ҳизқиё ҳукмронлигининг ўн тўртинчи йили* — милоддан олдинги 701 йил.

36:1 *Оссурия шоҳи Санхарив* — милоддан олдинги 705-681 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

36:2 *Лахиш шаҳри* — Қуддусдан қарийб 35 километр жануби–ғарбда жойлашган эди.

36:7 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди. Баъзи бир пайтларда одамлар мана шу маҳаллий саждагоҳларда Эгамизга сажда қилардилар.

36:7 *Ахир, Ҳизқиё…айтган экан–ку!* — Ҳизқиёнинг қилган ишларидан Худо мамнун эди (Қонунлар 12:2-7, 4 Шоҳлар 18:3-5 га қаранг). Аммо Оссурия шоҳи бу сўзларни Яҳудо халқини ва Қуддус аҳолисини Ҳизқиёга қарши қўзғатиш ниятида, Худога итоат қилмасликка ва ишонмасликка ундаш мақсадида айтган эди (шу бобнинг 15, 18-20–оятларига қаранг).

36:9 *отлиқлар* — бу ўриндаги ибронийча сўз *аравакашлар* маъносини ҳам ифодалаши мумкин.

36:11 *орамийча* — орамий тили ўша даврда тижоратда ва халқаро дипломатик доираларда ишлатилган.

36:19 *Хомат…Арпад…Сефарвайим…* — Хомат ва Арпад ҳозирги Суриянинг шимолида жойлашган эди. Сефарвайим шаҳрининг қаерда жойлашгани баҳсли.

36:19 *Самария* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти бўлиб, Оссурия томонидан босиб олинган.

37:1 *…қайғудан либосларини йиртди. Қаноргa ўраниб…* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Кийимларни йиртиш ва қаноргa ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

37:8 *Лахиш шаҳри* — 36:2 изоҳига қаранг.

37:9-10 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш* (11:11 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

37:16 *икки каруб* — қанотли самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

37:20 *…Сенинг танҳо Эгамиз эканингни билишсин* — ибронийча матндан. Қумрон қўлёзмаларида *Сенинг танҳо Худо эканингни билишсин, эй Эгамиз* (яна 4 Шоҳлар 19:19 га қаранг).

37:22 *Бокира қиз* — шеърий усул бўлиб, шаҳар ёки юрт аҳлига ишора қилади.

37:22 *Сион* — 1:8 изоҳига қаранг.

37:27 *Томларда ўсган майсалар* — қадимги Исроилда одатда уйларнинг томлари тупроқдан бўлиб, шиббаланган. Баъзан томларда майсалар ўсиб чиқар, лекин қуёш ва гармсел таъсирида тез қуриб қолар эди.

37:27 *Томларда ўсган майсаларга ўхшаб, Етилмасдан олдин қуриб қолдилар* — Қумрон қўлёзмаларидан (яна 4 Шоҳлар 19:26 га қаранг). Ибронийча матнда *Улар томларда ўсган майсалардай, ҳали ҳосили етилмаган дала кабидир*.

37:29 *…Мен бурнингдан ҳалқамни, Оғзингдан сувлиғимни ўтказаман* — Оссурияликлар асирларга шундай муносабатда бўлишар эди.

37:33 *…шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдирмайди* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча деворга қиялатиб тупроқ уйганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

37:37 *Найнаво* — Ниневия номи билан ҳам маълум.

37:38 *Арарат юрти* — кейинчалик Арманистон таркибига кирган (ҳозирда Туркиянинг бир қисмини ташкил қилади).

37:38 *...Исархаддўн шоҳ бўлди* — милоддан олдинги 681-669 йилларда Оссурияда ҳукмронлик қилган.

38:8 *Охознинг зинапояси* — археологик топилмаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, бу зинапоя вақтни кўрсатадиган махсус қурилма сифатида хизмат қилар эди.

38:10 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 5:14 изоҳига қаранг.

38:15 *...итоат этиб юраман* — ёки *...мен секин юраман*.

38:17 *...мени сақладинг...* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *...мени севдинг...*.

38:18 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл* (5:14 изоҳига қаранг). Қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, *Шеўл*да Худо билан мулоқот қилишнинг асло иложи йўқ эди.

38:21-22 *Ишаё шундай деган эди...[22]...Ҳизқиё...деб сўраганди* — шу бобнинг 21-22–оятларидаги воқеалар 6 ва 7–оятларидаги воқеалар орасида юз берган. 4 Шоҳлар 20:6-9 га қаранг.

39:1 *Мардухбаладон* — милоддан олдинги 722-710 ва 704-703 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

40:3 *Бир овоз янграмоқда: "Чўлда...* — ёки *Чўлда бир овоз шундай ҳайқирмоқда: "...*.

40:6 *...Иккинчиси...сўради* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...У...сўради*. Қумрон қўлёзмаларида *...Мен...сўрадим*.

40:9 *Эй хушхабар келтирган Қуддус...Эй хушхабар келтирган Сион...* — ёки *Эй хушхабарни Қуддусга олиб келган...Эй хушхабарни Сионга олиб келган...*.

40:13 *Эгамизнинг Руҳи* — Ибтидо 1:2 га қаранг.

41:2 *шарқдан ғолиб шоҳ* — Форс шоҳи Куруш назарда тутилган бўлиши мумкин (44:28, 45:1, 48:14 га қаранг). У Кир исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 559-530 йилларда Форс шоҳлигида ҳукмронлик қилган. Милоддан олдинги 539 йилда Бобилни босиб олиб, кейинги йили яҳудийларга Бобилдан ўз юртларига қайтишларига рухсат берган (Эзра 1:1-4 га қаранг).

41:15 *буғдой янчадиган хўптир* — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта. Донни бошоқдан ажратиб олиш учун ўрилиб хирмонга ёйилган буғдой устидан хўптир юргизиларди. Яна 21:10 изоҳига қаранг.

41:15 *...тоғлар...Тепаликлар...* — Исроил халқининг кучли ва мағрур душманларига ишора.

41:19 *мирта буталари* — доим яшил, хушбўй ўсимлик.

41:25 *бир етакчи* — Форс шоҳи Куруш назарда тутилган бўлиши мумкин (41:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

42:5 *...уни ёйганман...* — 40:22 ва Забур 103:2 га қаранг.

42:11 *Кедар* — Арабистон саҳросидаги ерлар.

42:11 *Села* — Эдом юртидаги бу шаҳар, Ўлик денгиздан қарийб 40 километр жанубда, баланд ясси тоғда жойлашган.

42:15 *...қуруқ ерга...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...оролларга...*. Ирмоқлар қуриб боргани сари, уларнинг ўртасида қуруқлик ҳосил бўлиб, оролларга ўхшаб кўринарди.

42:21 *Ўз адолати ҳақи, Эгамиз…истади* — Чиқиш 34:29-32, Қонунлар 4:5-8 га қаранг.

42:22 *…бу халқ талон–тарож қилинган…* — Оссурия ва Бобил халқлари Исроил халқини талон–тарож қилгани назарда тутилган (10:5-11, 39:5-7 га қаранг).

43:3 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш* (11:11 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

43:3 *Саво* — бу юрт Арабистон ярим оролининг жанубида ёки Африкада, Қизил денгизнинг ғарбий бўйида жойлашган бўлиши мумкин.

43:14 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

43:16 *Мен денгизни бўлиб…сўқмоқ қилдим* — Чиқиш 14:1-31 га қаранг.

43:27 *энг катта бобонг* — Иброҳим ёки Ёқуб назарда тутилган.

44:2 *азиз Исроил* — ибронийча матнда *Ёшурун*, Исроилни эркалаб айтилган ном.

44:5 *Исроил халқи* — ибронийча матнда *Ёқуб*, Исроил халқини шу ном билан ҳам аташарди.

44:24 *…самоларни ёйганман* — 40:22 ва Забур 103:2 га қаранг.

44:28 *Куруш* — 41:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

45:1 *Куруш* — 41:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

45:2 *Тоғлар* — Қумрон қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан.

45:14 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш* (11:11 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

45:14 *Саво юрти* — 43:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

45:23 *Ўзим ҳақим онт ичдим…* — қадимги Яқин Шарқда одамлар айтган гапини тасдиқлаш учун, ўзларидан буюкроқ зот номини ёки нарсани ўртага қўйиб қасам ичишар эди. Худо борлиқдаги энг буюк Зот бўлгани учун, У айтган сўзининг қатъий эканлигини кўрсатиш мақсадида Ўз номини ўртага қўйиб қасам ичди.

46:1 *Худо Бэл…худо Наво…* — Бэл Бобилнинг бош худоси эди (Мардух исми билан ҳам танилган). Наво (Мардухнинг ўғли) ҳам Бобил халқи учун муҳим бир худо эди.

46:11 *Шарқдан…чақиряпман* — Форс шоҳи Куруш назарда тутилган бўлиши мумкин (41:2 изоҳига қаранг).

46:13 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

47:1 *бокира қиз* — 37:22 нинг биринчи изоҳига қаранг.

47:1 *қиз Бобил* — ибронийча матнда *қиз Халдей*, яъни Халдейлар. Ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

47:2 *…дарёлардан кечиб ўт* — бу ўринда баъзи Бобилликларнинг асирга олинганлигига ишора бўлиши мумкин.

47:5 *қиз Бобил* — ибронийча матнда *қиз Халдей*, яъни Халдейлар. Ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

47:14 *Исиниш учун…гулхани бўлмайди* — 44:15-17 га қаранг.

48:2 *муқаддас шаҳар* — яъни Қуддус.

48:13 *заминнинг пойдевори* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан

устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди.

48:14 *Куруш* — 41:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

48:14 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 20–оятида ҳам бор).

48:16 *Мана энди Эгамиз Раббий мени Ҳамда Ўз Руҳини юбормоқда* — бу сўзларни айтган одам Ишаё ёки Эгамиз танлаган қул (42:1-9 га қаранг) ёхуд шоҳ Куруш (шу бобнинг 14-15–оятларига қаранг) бўлиши мумкин.

48:21 *Худо улар учун қоядан сув чиқарди* — Чиқиш 17:1-7 га қаранг.

49:7 *халқлар* — ёки *халқ*.

49:10 *гармсел* — иссиқ шамол.

49:12 *Синим юрти* — бу юртнинг қаерда жойлашгани маълум эмас, аммо бундан олдинги мисрада шимол ва ғарб айтиб ўтилгани учун бу жой узоқроқда, шарқда ёки жанубда жойлашган бўлиши мумкин. Қумрон қўлёзмаларида *Саванай*, яъни ҳозирги Мисрнинг Асвон шаҳри.

49:14 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

49:24 *золим* — Қумрон қўлёзмаларидан, қадимий сурёнийча ва лотинча таржималардан (яна шу бобнинг 25–оятига қаранг). Ибронийча матнда *солиҳ*.

51:3 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 11, 16–оятларида ҳам бор). 1:8 изоҳига қаранг.

51:9 *Раҳоб* — Левитаннинг яна бир исми, Канъон халқларининг қадимий афсоналарида учрайдиган махлуқ (30:7 оятга ва 27:1 изоҳига қаранг). Бу ўринда Раҳоб Мисрнинг шеърий номи сифатида келган.

51:13 *Самоларни ёйган…* — 40:22 ва Забур 103:2 га қаранг.

51:13 *замин пойдевори* — 48:13 изоҳига қаранг.

51:17 *ғазаб косаси* — Худо ғазабининг рамзи бўлган шароб косаси. Мана шу шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради.

51:19 *Ким сени юпата олади?!* — Қумрон қўлёзмаларидан, қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Қандай қилиб мен сени юпата оламан?!*

52:2 *қиз* — 37:22 нинг биринчи изоҳига қаранг.

52:7 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 8–оятида ҳам бор). 1:8 изоҳига қаранг.

52:11 *…Эгамизнинг муқаддас ашёларини кўтарадиганлар…* — руҳонийлар ва левиларга ишора. Бобил халқи Қуддусни босиб олганда, Маъбаднинг муқаддас ашёларини ўз юртига олиб кетганди (4 Шоҳлар 25:13-15 га қаранг). Энди руҳонийлар ва левилар муқаддас ашёларни Қуддусга қайтариб олиб келади (Эзра 1:7-11 га қаранг).

52:14 *…унинг олдида…* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *…сизнинг олдингизда…*.

53:1 *Биз* — шу бобда Ишаё пайғамбар ўз халқи номидан гапирмоқда.

53:8 *Ҳукм билан, куч билан…* — ёки *Адолатсиз ҳукм билан…*.

53:8 *Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?* — ёки *Унинг насли орасидаги одамлардан*

ким унинг тақдири ҳақида қайғурди? ёхуд *Унинг насли орасидаги одамлардан қуйидагиларни ким тушунди?*

53:8 *Халқимиз* — ибронийча матнда *Халқим*, шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

53:11 *Чеккан азобларининг натижасини кўриб…* — ибронийча матндан. Қумрон қўлёзмаларида *Азоблар чеккандан кейин ёруғлик кўриб* (яъни *у яшайди*).

53:12 *…буюклар қаторида унга улуш бераман…* — 49:7, 52:15 га қаранг.

55:13 *мирта буталари* — доим яшил, хушбўй ўсимлик.

56:7 *муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

57:5 *Ҳар бир ям–яшил дарахт остида…* — маҳаллий худоларга қурбонлик келтириладиган жойлар назарда тутилган (1:29 изоҳига қаранг).

57:5 *…Шаҳват билан гуноҳга берилдингиз!* — маҳаллий саждагоҳларда фаҳш орқали бажариладиган диний маросимларга ишора (яна шу бобнинг 7-8–оятларига қаранг).

57:8 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

57:9 *Ўз шоҳингиз* — ёки *Мўлах*, Оммон халқининг худоси.

57:9 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. 5:14 изоҳига қаранг.

57:13 *Менинг муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

58:5 *…Қанор ёйиб, кул сочиб устига ётасиз* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанор ёйиб, кул сочиб устига ётиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган. Мазкур оятда одамлар бу удумни оддий маросим сифатида бажарганлари, лекин гуноҳлари учун чин дилдан тавба қилмаганлари, Худодан ёрдам сўрамаганлари кўрсатилган.

59:20 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

60:6 *Мидиён, Эфах* — Мидиён кўчманчи бир қабиланинг бобокалони бўлган. Бу қабила ҳозирги Ақаба қўлтиғининг шарқидаги Арабистон саҳросида яшаган. Эфах Мидиён қабиласининг бир уруғи эди.

60:6 *Шава юрти* — Арабистон ярим оролининг жануби–ғарб томонида бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Шава маликаси шоҳ Сулаймонга ҳадялар олиб келган эди (3 Шоҳлар 10:1-13 га қаранг).

60:7 *Кедар…Наваёт…* — Арабистон ярим оролининг шимолидаги ерлар.

60:9 *Таршиш* — 2:16 изоҳига қаранг.

61:3 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

62:11 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

63:1 *Бозрах шаҳри* — Эдом юртининг пойтахти.

63:2 *чуқурда узум эзган одам* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди. Узум эзиш Муқаддас Китобда кўпинча Худонинг одамлар устидан чиқарадиган ҳукмига нисбатан

кўчма маънода ишлатилган.

63:16 *Ёқуб* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми (Ибтидо 32:27-28 га қаранг).

63:18 *Сенинг муқаддас масканингга…фақат оз вақт эгалик қилдик. Энди эса душманларимиз У ерни оёқ ости қилиб ташлади* — ёки *Юртга…фақат оз вақт эгалик қилдик. Энди эса душманларимиз Сенинг муқаддас масканингни оёқ ости қилиб ташлади*.

64:10 *Муқаддас шаҳарлар* — Исроил юрти Худога тегишли бўлгани учун, ундаги барча шаҳарлар муқаддас ҳисобланган (14:25, Забур 77:54 га қаранг).

65:3 *Саждагоҳ боғлар* — 1:29 изоҳига қаранг.

65:3 *Ғишт қурбонгоҳлар* — Таврот қонунига кўра, Худонинг халқи фақатгина лойдан ёки йўнилмаган тошдан қурбонгоҳлар ясаши керак эди (Чиқиш 20:24-25, Қонунлар 27:5-6, Ёшуа 8:31 га қаранг).

65:4 *…арвоҳларга маслаҳат солади* — Қонунлар 18:9-14 га қаранг.

65:9 *Исроил* — ибронийча матнда *Ёқуб*. Бу оятда Исроил — шимолий шоҳликни, Яҳудо жанубий шоҳликни билдиради.

65:10 *Шарон текислиги…Охор сойлиги…* — Шарон текислиги Исроилнинг ғарбида, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган (33:9 нинг биринчи изоҳига қаранг). Охор сойлиги эса Исроилнинг шарқида, Ерихо шаҳри яқинида жойлашган. Мана шу икки ном остида бутун Исроил юрти назарда тутилган.

65:11 *Муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

65:20 *Юзга етмай ўлганни лаънати деб биладилар* — ёки *Юзга кирган гуноҳкор эса лаънатланади*.

66:3 *…буқани қурбонлик қиладиган инсон…Бутга топинадиган одам кабидир* — мазкур оятда, шу бобнинг 2–оятидан фарқли равишда, Худога хўжа кўрсинга сажда қиладиган одам тасвирланган. Бундай одам барча диний маросимларни ва удумларни бажаради–ю, лекин аслида унинг юрагида Худодан қўрқув йўқ, у Худога бўйсунмайди (яна шу бобнинг 5–оятига ва 1:1-14 га қаранг).

66:8 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:8 изоҳига қаранг.

66:17 *саждагоҳ боғлар* — 1:29 изоҳига қаранг.

66:18 *Уларнинг ишларидан, ўйларидан нафратланаман* — ёки *Уларнинг ишларини, ўйларини биламан* ёхуд *Уларни ишлари, ўйлари учун жазолайман*.

66:18 *Ҳамма халқларни, элатларни йиғиш вақти келди* — ёки *Ҳамма халқларни, элатларни йиғишга Мен келяпман*.

66:19 *Таршиш* — 2:16 изоҳига қаранг.

66:19 *Ливия* — қадимий юнонча таржиманинг баъзи қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *Фул*.

66:19 *Лидия* — ибронийча матнда бу юртнинг қадимги номи *Луд*. Бу юрт ҳозирги Туркиянинг шарқида жойлашган эди.

66:19 *Тувал* — бу юрт ҳозирги Туркиянинг шарқида жойлашган эди.

66:19 *Юнон* — ибронийча матнда *Ёвон*, ўша вақтда Юнон халқи шу ном билан ҳам аталарди.

66:20 *муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 4:5 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

ЕРЕМИЁ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Еремиё пайғамбар нотинч даврда яшаган эди. Вужудга келган янги кучли шоҳликлар атрофидаги давлатларни забт этарди. Кичкинагина Яҳудо шоҳлиги жанг қилаётган иккита кучли шоҳлик — Бобил ва Миср орасида қолиб кетган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, Бобил шоҳлиги Яҳудони забт этди. Яҳудо халқи озодликни қўлдан бой бериб, Бобил шоҳлигининг мустамлакасига айланди. Еремиё пайғамбар бу воқеаларнинг гувоҳи эди. Зафаниё, Хабаққуқ, Дониёр ва Ҳизқиёл пайғамбарлар Еремиёнинг замондошлари эди.

Еремиё йигирма ёшга тўлар–тўлмас, Яҳудо халқига Худонинг сўзини етказа бошлади. Унинг фаолияти милоддан олдинги 586 йилгача, яъни Бобил Яҳудо юртини забт этгунга қадар давом этди. Сўнг эса Мисрга қочиб кетаётган одамлар Еремиёни мажбуран ўзлари билан олиб кетишди. Еремиё Мисрда ҳам ўз халқига Худонинг сўзини етказишда давом этди.

Еремиёнинг кўп башоратларида, уларнинг ёзилган санаси кўрсатилган. Аммо бу башоратлар хронологик тарзда эмас, мавзулар бўйича жойлаштирилган.

Кўпинча Еремиё Худонинг сўзини одамларга аниқ ва тўғри етказиб бериш учун ўз башоратларини нафақат оғзаки, балки ҳаракатлар орқали ҳам тасвирлаб беради.

Еремиё пайғамбар ўжар ва гуноҳга ботган Яҳудо халқини доимий тарзда огоҳлантириб туради, Худо уларни жазоламоқчи эканини айтади. Пайғамбар халқни Бобилликларга таслим бўлишга чақиради. Шу сабабдан Еремиёнинг душманлари уни хоинга чиқаради. Улар Еремиёни зиндонга ташлашади, ҳатто унинг жонига суиқасд уюштирмоқчи бўлишади. Шунда Еремиё пайғамбар Худога ёлвориб, ичидаги ҳамма дардини тўкиб солади. Китобнинг бу парчалари одамлар орасида “Муножот” деб ном олган. Еремиё ўз халқига ачиниб, кўп куйинади. Халқнинг итоатсизлиги ва аянчли қисматидан у кўп қайғуради. Шу сабабдан уни “йиғлаётган пайғамбар” деб ҳам аташади.

Еремиё пайғамбар Яҳудо халқига: “Сизлар Эгамиз билан тузилган аҳдни буздингиз, ёлғиз Унга хизмат қилмай, бутпарастликка берилиб кетдингиз”, деб уларга кўп танбеҳ беради. Шу қилмишлари учун Яҳудо халқи Худонинг қаҳрига учраб, Бобилликларга таслим бўлишини, сўнг эса Бобилга сургун қилинишини башорат қилади. Аммо бир кунмас–бир кун Худо сийлаган халқини ўз юртига қайтариб олиб келишини ва улар билан янги аҳд тузишини айтади (31:31-34, 32:36-40 га қаранг).

1–БОБ

[1] Ушбу китобда Хилқиё ўғли Еремиёнинг сўзлари баён этилган. Еремиё Бенямин ҳудудидаги Онотўт шаҳрида* яшаган руҳонийлардан бири эди. [2] Омон ўғли Йўшиё Яҳудода* ҳукмронлик қилган даврнинг ўн учинчи йилида*, Эгамизнинг сўзи илк бор Еремиёга аён бўлган эди. [3] Шундан сўнг Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Ёҳайиқим давридан* тортиб, то Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йилигача*, Эгамиз Еремиёга Ўз сўзини бир неча

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

марта аён қилган эди. Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йили бешинчи ойида* Қуддус аҳолиси Бобилга сургун қилинди.

Эгамиз Еремиёни танлайди

4 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди:

5 “Онанг қорнида сенга шакл бермасимдан олдин сени билган эдим,
Туғилмасингдан олдин сени Ўзим учун ажратиб олган эдим.
Халқларга сени пайғамбар этиб тайинлаган эдим.”

6 Мен Унга шундай жавоб қайтардим:
— Ё Эгам Раббий! Мен тузукроқ ҳам гапира олмайман. Ҳали жуда ёшман.
7 Эгамиз эса менга шундай деди:
— Ўзингни, ёшман, деб айтма! Мен сени кимнинг олдига юборсам, ўшаларнинг олдига борасан. Сенга амр қилган ҳамма гапларимни уларга айтасан.
8 Сен улардан қўрқма. Мен сен билан бирга бўламан, сени халос қиламан. Буни Мен, Эганг, айтдим.
9 Сўнг Эгамиз қўлини узатиб, лабимга теккизди–ю, деди:
— Мана, сўзларимни оғзингга солиб қўйдим. 10 Бугундан бошлаб халқлар ва шоҳликларни қўпориб, йўқ қилишинг учун, вайрон қилиб, ағдаришинг учун, бунёд этиб, мустаҳкамлашинг учун сенга изн бердим.

Иккита ваҳий

11 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилиб, шундай деди:
— Эй Еремиё, нимани кўряпсан?
— Бодом шохини, — деб жавоб бердим мен.
12 — Тўғри кўрдинг, — деди Эгамиз. — Бодом шохи Менинг ҳушёр туришимни билдиради*. Айтган сўзларимни* Мен тез орада бажо келтираман.
13 Эгамиз менга Ўз сўзини яна аён қилиб деди:
— Нимани кўряпсан?
— Шимол томонда қайнаб турган бир қозонни. Қозон биз томонга ағдарилай–ағдарилай деб турибди, — дедим.
14 Эгамиз менга шундай деди:
— Бу юртнинг бутун аҳолиси устига шимол томондан фалокат ёғилади.
15 Эгамиз шундай демоқда: “Мен шимолдаги шоҳликларнинг барча халқларини* чақириб оляпман. Уларнинг шоҳлари келиб, ўз тахтларини Қуддус дарвозаларининг ёнига ўрнатадилар. Қуддус деворларини қуршаб оладилар, Яҳудо шаҳарларининг ҳаммасига ҳужум қиладилар. 16 Шу йўсин Мен халқимга қарши ҳукмимни эълон қиламан, чунки Ўз халқим Мени тарк этиб, қабиҳлик қилди. Улар бегона худоларга қурбонликлар келтириб, ўз қўлларининг ижодига сажда қилдилар. 17 Сен энди бўла қол, белингни боғла. Буюрганларимнинг ҳаммасини уларга бориб айт. Улардан қўрқма. Акс ҳолда, уларнинг олдида сени ваҳимага соламан. 18 Бугун Мен сени бир қалъадай, темир устундай ва бронза девордай мустаҳкам қилдим. Сен бутун юртга — Яҳудо шоҳларига, шаҳзодаларига, руҳонийларига, юрт аҳолисига қарши чиқасан. 19 Улар сенга ҳужум қилишади, лекин сени енга олишмайди. Мен сен билан бирга бўламан, сени халос қиламан.” Эгамизнинг каломи шудир.

2–БОБ

Худо Исроил халқига ғамхўрлик қилади

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Қуддусга бориб, жар сол: «Эгамиз
шундай деб айтмоқда:

Ёшлигингдаги вафодорлигинг ёдимда,
Келинчаклигингдаги севгинг эсимда.
Сен саҳрода Менга эргашган эдинг,
Экин экилмаган ерда орқамдан юрар эдинг.
3 Эй Исроил, сен Менга бағишланган эдинг,
Ўримимнинг илк ҳосилига ўхшаган эдинг.
Ўша ҳосилни еган ҳар ким айбдор ҳисобланарди,
Бундайларнинг бошига кулфат келар эди,
— деб айтмоқда Эгамиз.»”

Исроил аждодларининг гуноҳи

4 Эй Ёқуб насли, жамики Исроил* уруғлари, Эгамизнинг сўзларини
эшитинглар. 5 Эгамиз шундай демоқда:

“Ота–боболарингиз Мендан нима айб топдилар?
Нима учун Мендан узоқлашдилар?
Улар бетайин бутларга сиғиндилар,
Ўзлари ҳам бетайин бўлиб қолдилар.
6 Улар Менга интилмайдилар.
Мен эса уларни Мисрдан олиб чиққан эдим,
Чўлдан, чуқурликларга тўла саҳродан олиб ўтгандим,
Зулмат қамраган қақроқ ерда олиб юрган эдим.
Одам яшамаган, оёқ етмаган жойдан олиб ўтган эдим.
7 Мен сизларни ҳосилдор юртга олиб келгандим,
Меваларидан, мўл ҳосилидан енглар, деган эдим.
Аммо сизлар келиб, юртимни ҳаром қилдингизлар,
Мулким бўлган еримни жирканч бир жойга айлантирдингизлар.
8 Руҳонийлар Менга интилмадилар,
Қонун ҳимоячилари Мени билмадилар,
Ҳукмдорлар Менга қарши бош кўтардилар,
Пайғамбарлар Баал* номидан башорат қилдилар,
Ҳеч нарсага ярамайдиган бутларга кўнгил боғладилар.”

Эгамиз Ўз халқини айблайди

9 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен сизларни яна бир бор айблайман,
Набираларингизни ҳам айблайман.
10 Ғарбдаги Кипр* қирғоқларига бориб кўринглар,
Шарқдаги Кедарга* одам жўнатиб, билиб келинглар.
Бундай воқеа ҳеч юз берганмикан?!
11 Бирон халқ ўз худоларидан воз кечганмикан?!
Худолари ҳақиқий бўлмаса–да, улардан юз ўгирганмикан?!
Менинг халқим эса ўз улуғвор Худосидан воз кечди,
Қадрсиз бутларга Мени алмаштирди.
12 Эй осмон, бундан ҳайратлангин,

Ваҳима ичра титрагин,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
13 Менинг халқим икки гуноҳ қилди:
Улар Мени — ҳаётбахш сув булоғини тарк этдилар.
Ўзлари учун сардобалар қазидилар,
Сувни ушлаб туролмайдиган ёриқ сардобалар қурдилар.

Хиёнатнинг оқибати

14 Исроил қулмиди?! Ёки қулликда туғилганмиди?!
Нечун унда у ғанимларига ўлжа бўлди?
15 Ғанимлари унга шердай ўкирди,
Овози борича унга бўкирди.
Ўшалар дастидан Исроил юрти хароб бўлди,
Шаҳарлари вайрон бўлиб, ҳувиллаб қолди.
16 Эй Исроил, Нуф ва Тахпанхасдаги* халқлар
Сочингни қириб ташладилар*.
17 Сенга йўл кўрсатган Эганг Худони тарк этдинг,
Шу қилмишинг билан ўз бошингни ўзинг единг.
18 Энди нега Мисрга борасан?
Нил* сувидан ичиш учунми?!
Нечун Оссурияга* йўл оласан?
Фурот сувидан ичиш учунми?!*
19 Қабиҳлигинг ўзингнинг бошингга етади,
Хиёнатинг сени маҳкум қилади.
Эганг Худони тарк этганинг
Нақадар ёмон ва аламли эканини
Кўриб, билиб қўйгин.
Сен Мендан қўрқмас экансан”, демоқда
Сарвари Олам — Раббий.

Исроил халқи Худога сажда қилишдан бош тортади

20 Эгамиз шундай демоқда:
“Эй Исроил, сен анча олдин
Бўйинтуруғингни синдирган единг,
Кўп вақт олдин кишанларингни узган единг.
«Сенга хизмат қилмайман!» деб айтган единг.
Ҳар бир баланд тепаликда бутларга сажда қилдинг,
Ҳар бир яшил дарахт остида фоҳишадай ётдинг*.
21 Мен сени аъло токдай эккан эдим,
Сен энг сара уруғдан пайдо бўлган единг.
Нечун энди айниб қолдинг?
Нега ёввойи токка айланиб қолдинг?
22 Сен ўзингни ишқор билан ишқаласанг ҳам,
Кўп совун ишлатиб, ўзингни ювсанг ҳам,
Айбдорлик доғларинг кетмайди,
Булар доим кўз ўнгимда туради,
— деб айтмоқда Эгамиз Раббий. —
23 Шундай экан, қандай қилиб:
«Булғанмадим», деб айтасан?!
Нега «Баалга сиғинмадим», дейсан?!

Водийда қилган ишларингга* қара,
Қилган қилмишларинг ҳақида ўйлаб кўр,
Сен ҳирси қўзиган урғочи туяга ўхшайсан,
Ўзингни у ёқдан–бу ёққа урасан.
24 Саҳрода улғайган бир қулонга ўхшайсан,
Шаҳватинг қўзиганда, ҳавони искайсан.
Сенинг ҳирсингни ким қондира олади?!
Ҳеч бир эркак сенга эришиш учун ўзини уринтириши шарт эмас,
Жуфтлашиш даврида сени осонликча топиб олишади.
25 Эй Исроил, бошқа худоларнинг кетидан югуравермагин,
Чориғинг йиртилгунча, томоғинг қуригунча
Улар кетидан юравермагин.
Лекин сен шундай дединг:
«Гапирганинг бефойда,
Ахир, мен ўша худоларни севиб қолдим,
Уларнинг кетидан бормасам бўлмайди.»

Исроил халқи жазоланади

26 Қўлга тушган ўғри шарманда бўлгандай,
Исроил халқи ҳам шарманда бўлади.
Уларнинг ўзлари, шоҳлари, аъёнлари уятга қолади,
Руҳонийлару пайғамбарлари шарманда бўлади.
27 Улар ёғочга: «Менинг отам сенсан» дейишади,
Тошга*: «Туққан онам сенсан», деб айтишади.
Аммо Менга юз бурмай, орқа ўгиришади,
Бошларига кулфат келганда эса,
«Бизга нажот бер!» дея Менга ёлворишади.
28 Хўш, ўзларингиз учун ясаган худоларингиз қани?
Кулфат чоғида сизларни қутқара олса, келсин.
Шаҳарларингиз қанча кўп бўлса,
Худоларингиз ҳам шунчадир, эй Яҳудо халқи.

29 Нечун Мен билан даъволашасиз?!
Ҳаммангиз Менга қарши бош кўтардингиз!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
30 Эй халқим, сени жазолаганим зое кетибди.
Сен барибир гапимга кирмадинг.
Сенинг қиличинг йиртқич арслондай
Пайғамбарларингни қириб ташлади.

31 Эй бу насл, Менинг гапларимга қулоқ сол!
Наҳотки Мен Исроил учун саҳродай бўлган бўлсам?!
Наҳотки зулмат қоплаган қоронғи ердай бўлган бўлсам?!
Нечун халқим: «Энди озодмиз, олдингга қайтиб бормаймиз», деб айтади?
32 Қиз бола тақинчоқларини унутадими?!
Келинчак ўз либосини эсдан чиқарадими?!
Йўқ! Аммо халқим Мени унутди,
Орадан сон–саноқсиз кунлар ўтиб кетди.
33 Ошиқларни топишга нақадар устасан!
Энг бузуқ аёл ҳам сендан ўрганса бўлади.

34 Сен кийимларингни доғ қилдинг,
Айбсиз қашшоқларнинг қонига уларни беладинг,
Улар уйингга ўғри бўлиб тушмаган эди.
Шунга қарамай сен:
35 «Айбсизман», деб айтасан.
«Эгамиз ғазабидан тушгани аниқ», дейсан.
«Гуноҳ қилмадим» деганинг учун
Мен сени жазолайман.
36 Нега сен енгилтаклик қиласан?
Нега иттифоқчиларингни ўзгартирасан?
Сен Оссуриядан ёрдам олмаганингдай,
Мисрдан ҳам ҳеч қандай ёрдам олмайсан.
37 Сен Мисрдан чиқиб келасан,
Уялганингдан юзингни қўлинг билан тўсасан.
Зеро, сен умид боғлаган халқни Эганг рад этди.
Сен улардан ҳеч қандай наф кўрмайсан.”

3–БОБ

Бевафо Исроил

1 Эгамиз шундай демоқда: “Бир одам хотини билан ажрашди, дейлик. Агар хотини бориб, бошқасига турмушга чиқса, олдинги эри уни қайта никоҳига олиши мумкинми?! Бундай бемаънигарчилик юртни ҳаром қилиб юбормайдими?!* Эй Исроил, сен кўп ўйнашлар орттириб фоҳишалик қилдинг. Энди қайси юз билан олдимга қайтиб келмоқчисан?!

2 Атрофингдаги яланг қирларга назар солиб, қара!
Сен фоҳишалик қилмаган бирор жой қолдими?!*
Сен йўл бўйларида ўтириб, ўйнашларингни кутдинг.
Чўлда босқинчилик қилишга шай турган қароқчидай бўлдинг.
Менга қилган бевафолигинг ва фосиқлигинг билан,
Бутун юртни ҳаром қилдинг.
3 Шу сабабдан ёмғир ёғмади,
Баҳорда ёғингарчилик бўлмади.
Сен фоҳишадай безбетсан,
Уят деган нарсани билмайсан.
4 Энди эса Менга: «Отажонимсан», деяпсан,
«Ёшлигимдан буён дўстимсан», деб айтяпсан!
5 «Ҳадеб мендан жаҳлинг чиқаверадими?» дейсан,
«Бир умр менга ғазабингни сочасанми?» деб айтасан,
Ўзинг эса имконинг борича ёвузлик қилаверасан.”

Исроил ва Яҳудо халқлари тавбага чақирилади

6 Шоҳ Йўшиё даврида* Эгамиз менга шундай деди: “Бевафо Исроилнинг* қилмишларини кўрдингми? Ҳар бир баланд тепаликда ва ҳар бир яшил дарахт остида у фоҳишалик қилди*. 7-8 Барча қилмишларидан кейин ҳам, олдимга қайтиб келади, деб ўйлаган эдим. Лекин у қайтиб келмади. Шунинг учун Мен садоқатсиз Исроилга талоқ хатини бериб, жўнатиб юбордим*. Унинг синглиси Яҳудо эса буни кўрган эди. Шунга қарамай бу мунофиқ заррача ҳам қўрқмади, у Менга вафо қилмай, фаҳшга берилди. 9 Исроил тош ва ёғочдан ясалган худоларга сиғиниб,

зино қилган эди. Енгилтаклик билан фоҳишалик қилиб, юртни ҳаром этган эди.
10 Буларга қарамай, унинг мунофиқ синглиси Яҳудо Менга соф кўнгил билан
қайтмади. У кўзбўямачилик қилди”, — деб айтмоқда Эгамиз.
11 Кейин Эгамиз менга шундай деди: “Бевафо Исроил, мунофиқ Яҳудога
қараганда, ўзини солиҳ қилиб кўрсатди. 12 Қани, шимолга бор, у ерда ушбу
сўзларни жар солиб айт: «Эгамиз шундай демоқда: эй бевафо Исроил, Менга юз
бур! Энди Мен сенга ғазабимни сочмайман, Мен раҳмдилман, — деб айтмоқда
Эгамиз. — Сендан то абад ғазабланмайман. 13 Фақатгина гуноҳингни тан олгин:
сен Эганг Худога қарши бош кўтардинг, ҳар бир яшил дарахт остида бегона
худоларга сажда этиб, зино қилдинг, Менинг гапимга кирмадинг, — деб айтмоқда
Эгамиз.»”
14 Эгамиз шундай демоқда: “Эй садоқатсиз фарзандлар, олдимга қайтинглар!
Зеро, Мен хўжайинингизман. Ҳар бир шаҳардан биттангизни, ҳар бир хонадондан
иккитангизни олиб, Қуддусга* олиб келаман. 15 Мен сизларга кўнглимдаги
чўпонларни бераман. Улар сизларни донолик ва билим билан бошқаришади.
16 Сизлар юртда кўпайиб, ували–жували бўласизлар. Шунда халқ Менинг Аҳд
сандиғим* ҳақида гапирмайдиган бўлади. Улар Сандиқ ҳақида ўйлашмайди, уни
эсга ҳам олишмайди, зарурати бўлмагани учун янгисини ясашмайди*. 17 Зеро, ўша
вақтда Қуддус «Эгамизнинг Тахти» деб аталади. Ҳамма халқлар Менга сажда
қилиш учун Қуддусда, Менинг ҳузуримда тўпланадилар. Шундан кейин улар ҳеч
қачон ёвуз юракларининг ўжарликларига итоат қилмайдилар. 18 Ўша кунларда
Яҳудо ва Исроил халқлари бирлашади. Улар шимолдаги юртдан Мен
ота–боболарингизга мулк қилиб берган юртга бирга қайтиб келишади.

19 Мен, Эгангиз, ичимда шундай деган эдим:
«Сени жон–жон дея Ўзимга фарзанд қилиб олган бўлар эдим,
Сенга ажойиб юртни совға қилган бўлар эдим,
Халқларнинг энг гўзал мулкини сенга берган бўлар эдим.»
Мени «Отажоним дейсан», дея ният қилган эдим,
Мендан ҳеч қачон юз ўгирмайсан, деб ўйлаган эдим.
20 Аммо, эй Исроил, Менга бевафолик қилдинг!
Сен эрига хиёнат қилган аёлдай бўлдинг,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

21 Яп–яланг қирлар узра фиғон эшитилмоқда,
Исроил халқи доду фарёд солмоқда.
Зотан, улар ҳақ йўлдан озган эдилар,
Ўзларининг Эгаси Худони унутиб юборган эдилар.
22 Эй садоқатсиз фарзандларим, орқага қайтинглар!
Бевафо қалбингизга Мен шифо бераман.

Сизлар Менга шундай дейсизлар:
«Мана, олдингга қайтяпмиз,
Ахир, Эгамиз Худо Сенсан.
23 Биз қирларда бутларга сажда қилар эдик,
Қаттиқ шовқин–сурон кўтарар эдик.
Аммо ҳаммаси беҳуда экан.
Ягона нажоткоримиз Сенсан, эй Эгамиз Худо.
24 Бу ярамас бутлар болалигимиздан буён,
Оталаримизнинг меҳнатини йўққа чиқарди,

Уларни мол–қўйларидан айирди,
Ўғил–қизларидан жудо қилди.
25 Келинг, шармандаликни ўзимизга тўшак қилайлик,
Уятни ёпинчиқ қилиб, устимизга ёпайлик!
Ахир, ота–боболаримиз билан биз
Эгамиз Худога қарши гуноҳ қилдик.
Ёшлигимиздан то бугунгача
Эгамиз Худонинг гапига кирмадик.»”

4–БОБ

Тавбага даъват

1 Эгамиз шундай демоқда:

“Эй Исроил, қани энди қайтсанг,
Қани энди, Менга қайтиб келсанг!
Ҳузуримдан жирканч бутларингни улоқтириб ташласанг,
Қани энди, Менинг йўлимдан озмай юрсанг.
2 Қани энди, ҳақиқат, адолат ва тўғрилик ила
«Эгамиз шоҳид!» дея қасам ичсанг.
Шунда халқлар Мен орқали барака топади,
Улар Мен билан фахрланади.”

3 Эгамиз Яҳудо халқига ва Қуддус аҳолисига шундай деб айтмоқда:

“Ерингизни шудгор қилинг,
Тиканлар орасига уруғ сепманг.
4 Эй Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолиси,
Ўзингизни Мен, Эгангизга бағишланг,
Юрагингизни суннат қилинг*.
Акс ҳолда, ёвуз қилмишингиз учун
Алангали ғазабимни устингизга ёғдираман.
Бу ғазабимни ҳеч ким сўндира олмайди.

Яҳудо халқи бошига келадиган фалокатлар

5 Яҳудода эълон қилинг, Қуддусда жар солинг:
«Бутун юрт бўйлаб бурғу чалинсин.»
Баланд овозда ҳайқиринг: «Қани, тўпланинглар!
Мустаҳкам шаҳарларга қочиб борайлик!»
6 Қуддусга* қочиб бориш учун ишора беринг,
Имилламай, тезроқ қочинг!
Мен шимолдан* кулфат келтирмоқдаман,
Даҳшатли ҳалокат олиб келмоқдаман.
7 Ана, халқларни ҳалок этувчи йўлга тушди,
У шер каби чакалакзордан чиқди.
Юртингизни хароб қилгани уясини ташлаб келди.
Эвоҳ, энди шаҳарларингиз вайрон бўлади,
Ҳаммаси ҳувиллаб қолади.
8 Марсия айтиб, фарёд қилинглар,
Қаноргa ўраниб олинглар*.

Ахир, Эгангизнинг алангали ғазаби
Сизни четлаб ўтмади.”

9 Эгамиз шундай демоқда: “Ўша куни шоҳ билан аъёнларнинг юраги орқага
тортиб кетади. Руҳонийлар билан пайғамбарлар даҳшатга тушади.” 10 Шунда мен
дедим: “Ё Эгам Раббий, Сен Қуддус аҳолисини ёмон лақиллатдинг! Қилич
уларнинг бўғзида турган бир пайтда, Сен уларга тинчлик ваъда қилдинг.”
11 Ўша пайт келганда Эгамиз Қуддус аҳолисига шундай деб айтади: “Саҳродаги
яланг қирлардан чиққан гармсел* халқим томон эсмоқда. У донни хашакдан
тозалайдиган майин шабада эмас, 12 балки Мен юборган кучли бир гармселдир.
Мен сизларга қарши Ўз ҳукмимни эълон қилмоқдаман.”

Яҳудо душманлар қуршовида

13 Қаранг! Душман булутдай кўтарилмоқда.
Уларнинг жанг аравалари қуюн кабидир,
Отлари бургутдан ҳам чаққондир.
Эвоҳ, шўримиз қурсин! Хонавайрон бўлдик!
14 Эй Қуддус, нажот топишинг учун юрагингни покла.
Қачонгача юрагингда ёвуз ният сақлайсан?!
15 Ана, Дан шаҳридан хабарчининг овози эшитилмоқда,
Эфрайим қирларидан* бир шум хабар келмоқда.
16 Эгамиз шундай дейди:
“Халқларга буни айтинглар,
Қуддусда шундай эълон қилинглар:
«Олис юртдан босқинчилар келмоқда,
Улар Яҳудо шаҳарларига қарши ҳайқирмоқда.
17 Босқинчилар дала қўриқчиларига ўхшаб,
Қуддусни қуршаб олишади.»
Зотан, Қуддус аҳли Менга қарши бош кўтарди,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
18 Тутган йўлингиз, қилган қилмишингиз дастидан
Бу кулфат бошингизга келди–ку!
Жазоингиз шудир.
Оҳ, нақадар аччиқ бўлмаса бу кулфат!
Нақадар юракни эзади–я!”

Еремиё ўз халқи учун қайғуради

19 Вой жоним, адойи тамом бўлдим!
Вой юрагим! Қинидан чиққудай бўляпти!
Сукут сақлаб тура олмайман,
Эшитяпман бурғу садоларини,
Эшитяпман урушга даъватларни.
20 Кулфат кетидан кулфат келди,
Бутун юрт хонавайрон бўлди.
Бир зумда чодирларим бузилиб кетди,
Масканим пардалари йўқ бўлди.
21 Қачонгача ёв байроғи кўзим олдида ҳилпираб тураверади?!
Қачонгача бурғу овози қулоғимга чалинаверади?!

22 Эгамиз шундай жавоб берди:
“Ахир, Менинг халқим бефаросат,

Улар Мени танишмайди.
Улар нодон, ақлсиз фарзандлардир.
Ёмонлик қилишга уста,
Яхшилик қилиш эса қўлларидан келмайди.”

Келаётган кулфат ҳақидаги ваҳий

[23] Мен ерга қарадим, ер айқаш–уйқаш эди,
Кўзимни осмонга тикдим, осмонда нур кўринмасди.
[24] Тоғларга қарадим, тоғлар силкинаётган эди,
Ҳамма қирлар ларзага келган эди.
[25] Қарадим, аммо инсон зоти кўринмади,
Ҳатто кўкдаги қушлар ҳам учиб кетган эди.
[26] Қарадим, ҳосилдор ерлар чўлга айланган эди,
Ҳамма шаҳарлар вайрон бўлган эди.
Бунга сабаб Эгамизнинг қаттиқ қаҳри эди.

[27] Зеро, Эгамиз шундай деган эди:

“Бутун юрт вайрон бўлади,
Лекин юртни бутунлай йўқ қилиб юбормайман.
[28] Бутун дунё аза тутади,
Осмон ҳам қоп–қора бўлиб кетади.
Буни Мен айтдим, шахтимдан қайтмайман.
Қарор қилдим, қароримни ўзгартирмайман.”

[29] Отлиқ ва камонкашлар ҳайқириғидан
Ҳар бир шаҳар аҳолиси қочиб қолади.
Улар чакалакзорлар оралаб югуришади,
Қояларга чиқиб, ораларига яшириниб олишади.
Ҳамма шаҳарлар ҳувиллаб қолади,
У ерларда яшайдиган одам бўлмайди.
[30] Сен эса, эй харобазорга айланган шаҳар,
Нега устингга қирмизи либос кийиб олдинг,
Олтин тақинчоқлар билан безандинг?
Нега кўзларингни бўяб олдинг?
Бекорга безаниб олибсан!
Ўйнашларинг* сендан нафратланади,
Жонингга қасд қилмоқчи улар.

[31] Ана, кимдир тўлғоқ тутган аёлдай бақирмоқда,
Кимдир илк бор туғаётган аёлдай инграмоқда.
Қиз* Қуддус энтикиб қичқирмоқда,
Қўлларини чўзиб шундай демоқда:
“Шўрим қурсин! Қотилларим олдида мадорим қолмади.”

5–БОБ

Қуддус аҳолисининг гуноҳлари

[1] Эгамиз шундай дейди:
“Қуддуснинг ҳар бир кўчасига кириб чиқинглар,
Атрофингизга қараб, билиб олинглар,

Шаҳар майдонларида қидириб кўринглар,
Бирон адолатли, ростгўй одам бормикан.
Агар шундай одамни топиб келсангиз,
Мен Қуддус аҳолисининг гуноҳидан ўтаман.
2 Улар «Эгамиз шоҳид!» дея қасам ичадилар,
Аммо ичган қасамлари ёлғон.”
3 Эй Эгам, Сен ҳақиқатни излайсан.
Сен бу халқни урган эдинг,
Аммо улар оғриқ сезмадилар.
Уларни деярли йўқ қилиб юборганингда ҳам,
Гапингга кирмадилар.
Бетларини тошдан ҳам қаттиқ қилдилар,
Тавба қилишни хоҳламадилар.

4 Шунда мен ичимда дедим:
“Эҳа, булар камбағал–ку!
Шунинг учун уларнинг фаросати йўқ,
Улар Эгамизнинг йўлини билмайди,
Худосининг қонунини танимайди.
5 Қани, бойларнинг* олдига борай–чи,
Улар билан гаплашиб кўрай–чи,
Эгамизнинг йўлини улар албатта билади,
Улар Худосининг қонунини танишади.”
Аммо уларнинг ҳаммаси бўйинтуруғини синдирган экан,
Эгамизга итоат этишдан бош тортган экан.

6 Шунинг учун ўрмондан чиққан шер уларни ўлдиради,
Чўлдан келган бўри уларни ғажиб ташлайди.
Қоплон уларнинг шаҳарлари олдида писиб туради,
Шаҳардан чиққан ҳар бир одамни тилка–пора қилади.
Ахир, улар кўп гуноҳ қилдилар,
Худога кўп хиёнат этдилар.

7 Эгамиз шундай дейди:
“Эй Қуддус, Сени қандай қилиб кечираман?!
Фарзандларинг Мени тарк этдилар–ку!
Улар Худо бўлмаган бутларнинг номини ўртага қўйиб онт ичдилар.
Мен уларнинг эҳтиёжларини қондирар эдим,
Улар эса зино қилаверар эдилар,
Фоҳишаларнинг уйига тўдалашиб борар эдилар.
8 Улар ҳирси қўзғаган айғир отлар каби эдилар,
Ҳар бири қўшнисининг хотинига кишнар эди.
9 Мен уларни бунинг учун жазоламайми?!
Шундай бир халқдан ўч олмайми?!
— деб айтмоқда Эгамиз. —

10 Қани, уларнинг узумзорларига киринглар,
Токларини кесиб ташланглар.
Аммо бутунлай йўқ қилманглар.
Новдаларини синдиринглар,

Энди улар Меники эмас.
11 Ахир, Исроил ва Яҳудо халқлари
Менга бутунлай хиёнат қилишди.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Эгамиз Исроилни тарк этади

12 Исроил халқи Эгамиз ҳақида ёлғон гапирди, улар шундай деди:

“Эгамиз барибир ҳеч нарса қилмайди.
Ҳеч қандай кўргилик бошимизга тушмайди!
Қаҳатчилик, уруш бўлмайди!
13 Пайғамбарларининг бемаъни сўзлари шамолга ўхшайди,
Худонинг сўзи уларга аён бўлмаган.
Бу кулфатлар ўзларининг бошига тушсин!”

14 Шунинг учун Парвардигори Олам — Эгамиз шундай демоқда:

“Эй Еремиё, халқим айтган бу гаплари учун
Мен Ўз сўзларимни сенинг оғзингда оловдай қиламан.
Бу халқ эса ўтин каби бўлади,
Олов уларни ёндириб ташлайди.”
15 Эгамиз шундай демоқда:
“Эй Исроил халқи,
Мен олисдаги бир халқни қўзғатаман.
Уларни сизга қарши юбораман.
Улар кучли, қадимги бир халқдир.
Бу халқнинг тилини сизлар билмайсизлар,
Уларнинг гапларини тушунмайсизлар.
16 Уларнинг ҳаммаси моҳир жангчилардир,
Ўқлари ўлим элчиларидир.
17 Улар ҳосилингизни, нонингизни еб битиришади,
Ўғил–қизларингизни ўлдиришади.
Мол–қўйларингизни бўғизлашади,
Узумзору анжирзорларингизни йўқ қилишади.
Суянган мустаҳкам шаҳарларингизни
Лашкарлари вайрон қилишади.”

18 Эгамиз демоқда: “Шундай кунларда ҳам Мен Ўз халқимни бутунлай қириб юбормайман. 19 Халқим сендан: «Нима учун Эгамиз Худо бундай ишларни қилди?» деб сўраганда, сен, эй Еремиё, уларга шундай жавоб бер: «Сизлар Худони тарк этиб, юртимизда бегона худоларга хизмат қилдингизлар. Энди ўзга юртда бегона одамларга худди шундай хизмат қиласизлар.»

Худо халқни огоҳлантиради

20 Бориб, Ёқуб наслига шундай деб айт, Яҳудо халқига шундай деб эълон қил:

21 Сизларнинг кўзингиз бор, аммо кўрмайсизлар,
Қулоғингиз бор, аммо эшитмайсизлар.
Эй ақлсиз, бефаросат одамлар,
Гапларимни эшитинглар!
22 Наҳотки Мендан қўрқмасангизлар?!
Менинг олдимда титрамасангизлар?!

— деб айтмоқда Эгамиз. —
Ахир, Мен денгизга қумни чегара қилиб қўйдим,
Ўтиб бўлмайдиган абадий тўсиқ қилдим.
Тўлқинлар кўпириб, кўтарилса ҳам,
Тўсиқдан устун келолмайди.
Ҳайқириб ўкирса ҳам,
Ундан ошиб ўтолмайди.
23 Аммо сизлар ўжар ва исёнкорсизлар,
Йўлдан озиб, Мени тарк этдингизлар,
24 Сизлар ичингизда ҳеч айтмайсизлар:
«Эгамиз Худодан қўрқайлик,
У ўз вақтида ёмғир ёғдиради–ку!
Кузда ҳам, баҳорда ҳам еримизни суғоради–ку!
Йиғим–терим мавсумини ўз вақтида беради–ку!» деб.
25 Гуноҳларингиз сизларни булардан маҳрум этди,
Айбларингиз сизларни баракадан жудо этди.

26 Ҳа, халқим орасида ярамас одамлар бор.
Улар қуш овлаётгандай писиб ётишар,
Тузоқ қўйиб, одамларни ўз домига тортишар.
27 Овчи қафасни қушларга тўлдиргандай,
Улар уйларини ҳийлага тўлдирдилар.
Шу туфайли кучайиб, давлат орттирдилар,
28 Семириб, ялтираб кетдилар.
Қабиҳ ишларининг чек–чегараси йўқ.
Улар етимни оқлашга ҳаракат қилмайди,
Йўқсилнинг ҳақини ҳимоя этмайди.
29 Мен уларни бу учун жазоламайми?!
Шундай бир халқдан ўч олмайми?!
— деб айтмоқда Эгамиз. —

30 Қўрқинчли ва даҳшатли ишлар
Бу юртда содир бўлмоқда:
31 Пайғамбарлар ёлғондан башорат қилмоқда,
Руҳонийлар ўзларича* халқимни бошқармоқда,
Халқимга буларнинг ҳаммаси хуш келмоқда.
Аммо охирида улар нима қилар экан–а?”

6–БОБ

Қуддус душманлар қуршовида

1 Эгамиз шундай дейди:
“Эй Бенямин насли,
Жонингизни қутқаринглар!
Қуддусдан қочиб чиқинглар!
Тахува шаҳрида бурғу чалинглар!
Байт–Хакерем шаҳрида* олов ёқиб, белги кўрсатинглар.
Ана, шимолдан бир фалокат келяпти,
Даҳшатли бир ҳалокат яқинлашяпти.
2 Қиз* Қуддус* гўзал ва латофатлидир,

Аммо Мен уни йўқ қилиб ташлайман.
3 Шаҳар атрофига жойлашиб олган чўпонлардай,
Душманлар Қуддусни қамал қилади.
Ҳар бири ўз лашкари учун жой танлайди.
4 Улар шундай деб айтишади:
«Қуддусга қарши жангга тайёрланинглар!
Бўла қолинглар, кундуз куни уларга ҳужум қиламиз!
Шўримиз қурсин! Кун ҳам ботяпти,
Оқшом соялари бўй чўзиб қолди.
5 Энди тунда ҳужум қиламиз,
Шаҳардаги қалъаларни вайрон этамиз!»”

6 Сарвари Олам душман лашкарига шундай демоқда:
“Дарахтларини кесинглар*,
Қуддус деворига қиялатиб тупроқ уйинглар*.
Бу шаҳар жазоланиши керак,
Шаҳар зўравонликка тўлиб–тошган.
7 Булоқдан сув қайнаб чиққани сингари,
Қуддусдан қабиҳликлар қайнаб чиқяпти.
Зўравонлигу бузғунчилик садолари эшитиляпти.
У ерда кўрганим хасталигу яралар.
8 Эй Қуддус, эсингни йиғиб олгин,
Йўқса, Мен сендан юз ўгираман.
Сени ташландиқ бир жойга айлантираман,
Юртингни ҳувиллатиб қўяман.
9 Душманларингга айтаман,
Улар сени шип–шийдам қиладилар,
Бир шингил узуми қолмаган токка ўхшатиб қўядилар.”
Сарвари Оламнинг каломи шудир.

Исёнкор Исроил

10 Эй Эгам! Кимга гапирай, кимни огоҳлантирай?!
Ким менинг гапларимга қулоқ солади?!
Қара, уларнинг қулоқлари ёпиқ*,
Улар ҳеч нарсани эшитмайди.
Сенинг сўзингдан улар хафа бўлади,
Уни эшитишни хуш кўрмайди.
11 Аммо ичим Сенинг ғазабингга тўлган эди,
Жаҳлимни тийишдан чарчадим.

Эгамиз менга шундай деди:
“Ғазабимни кўчадаги болаларга сочгин,
Тўдалашиб турган йигитларга сочгин.
Ғазабим эркагу аёлларга тушади,
Мункиллаган қариялар ҳам ундан қочиб қутулмайди.
12 Уйлари, далалари ва хотинлари
Бошқа бировларга берилади.
Мен бу юрт аҳолисига қарши қўл кўтараман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

13 Улар кичкинасидан тортиб, каттасигача,
Нафсини тиёлмай ҳаром йўл билан пул топишади.
Пайғамбардан тортиб, руҳонийгача —
Ҳаммаси товламачилик қилишади.
14 Халқимнинг яраларини юзаки даволашади.
Аҳвол оғир бир пайтда «ҳаммаси яхши», деб айтишади.
15 Жирканч ишлари учун уяладиларми?
Йўқ, уялмайдилар!
Қизариш деган нарсани билмайдилар,
Шунинг учун бошқалардай ҳалок бўладилар.
Ҳа, уларни жазолаб, хонавайрон қиламан.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Исроил Худонинг йўлидан озади

16 Эгамиз Ўз халқига шундай деб айтмоқда:
“Чорраҳаларда туриб қаранг,
Қадимги йўллар ҳақида сўранг,
Яхши йўл қаерда эканлигини билиб олинг.
Ўша йўлдан юринг,
Шунда кўнглингиз таскин топади.
Аммо сизлар: «Йўқ, у йўлдан юрмаймиз», дедингизлар.
17 Мен сизларга қўриқчилар* қўйдим,
«Қўриқчилар бурғусининг жанговар садосига қулоқ солинглар»,
Деб сизларга тайинладим.
Сизлар эса: «Уларга қулоқ солмаймиз!» деб айтдингизлар.
18 Шунинг учун, эй халқлар, эшитинг!
Халқим не ҳолга тушишини билиб олинг.
19 Эй замин, қулоқ сол!
Мен бу халқнинг бошига кулфат келтираман,
Ёмон ниятларининг оқибати шудир.
Зотан, улар сўзларимга кирмадилар,
Қонунларимни рад этдилар.
20 Шава юртидан* келтирилган зираворларни нима қиламан?!
Олис юртдан олиб келинган хушбўй қамишни нимага ишлатаман?!
Халқимнинг куйдириладиган назрларини Мен қабул қилмайман,
Қурбонликларидан хушнуд бўлмайман.”
21 Шу сабабдан Эгамиз демоқда:
“Мен бу халқнинг оёғига тўғоноқ соламан,
Улар қоқилиб йиқиладилар.
Оталар фарзандлари билан бирга,
Қўшнилар ёр–биродарлари билан бирга ҳалок бўладилар.”

Шимолдан босқинчилар келади

22 Эгамиз шундай демоқда:
“Ана, шимолдаги юртдан* оломон келмоқда,
Дунёнинг четидан буюк бир халқ қўзғалмоқда.
23 Камону найзалар билан қуролланган улар,
Шафқат қилмайдиган золимдир у одамлар.
Улар отларини елдиради,
Тўлқинланган денгиздай гувиллаб келади.

Эй қиз Қуддус, улар қаршингда саф тортадилар,
Жанг қилишга шай бўлиб турадилар.”

24 Одамлар шундай деди:
“Улар ҳақидаги бу хабарни эшитдик,
Мадоримиз қолмади.
Дард тутган аёл каби,
Азобу изтироб чекдик.
25 Далаларга борманглар,
Кўчаларда юрманглар!
Душман қиличини тутган.
Атрофни даҳшат қамраган.”

26 Эй халқим, қизалоғим!
Қанорга ўраниб, кулга белангин*.
Ёлғиз фарзанд учун аза тутгандек,
Аччиқ–аччиқ йиғлагин.
Ана, ҳалок этувчи келяпти,
У тўсатдан бизга ҳужум қилади.

27 Эгамиз шундай деди:
“Эй Еремиё, халқимни текширгин,
Темирни синагандай уларни синагин,
Тутган йўлларини билиб олгин.
28 Уларнинг ҳаммаси ўжар ва бебошдир,
Бировларга туҳмат қилиб юрадилар.
Бағирлари мис ва темир каби қаттиқ,
Ҳаммаси бузғунчилик қиладилар.
29 Ана, босқонга тўхтовсиз дам берилмоқда,
Ўчоқдаги олов ловуллаб ёнмоқда.
Аммо бундай олов ҳам уларни тозалай олмади,
Улар фосиқлигича қолди.
30 Уларни «сифатсиз кумуш» деб атайдилар,
Ахир, Мен уларни рад этдим.”

7–БОБ

Еремиё Маъбадда воизлик қилади

1 Еремиёга Эгамизнинг қуйидаги сўзи аён бўлди: 2 “Уйимнинг дарвозаси
олдига бор. Ўша ерда туриб, баланд овозда шундай деб айт: «Эй жамики Яҳудо
халқи! Эй Эгамизга сажда қилиш учун мана бу дарвозадан кираётган халойиқ!
Эгамизнинг гапларини эшитинглар. 3 Исроил халқининг Худоси — Саррвари Олам
шундай демоқда: ёмон йўлингиздан қайтинглар. Турмуш тарзингизни
ўзгартиринглар. Шундагина бу юртда яшашингизга ижозат бераман.
4 ‘Эгамизнинг Маъбади шу ерда! Мана, Эгамизнинг Маъбади, шунинг учун ҳеч
қандай хавф–хатар йўқ!’ деган ёлғон сўзларга ишонманг.
5 Агар ҳақиқатан ёмон йўлингиздан қайтсангиз, турмуш тарзингизни
ўзгартирсангиз, бир–бирингизга нисбатан адолатли бўлсангиз, 6 мусофирларга,
етим ва беволарга зулм қилмасангиз, бу юртда айбсиз одамнинг қонини
тўкмасангиз, бошингизга фалокат келтирадиган бошқа худоларга эргашмасангиз,

7 бу ерда қолишингизга ижозат бераман. Мен ота–боболарингизга абадий мулк
қилиб берган бу юртда сизлар яшайверасизлар.
8 Аммо сизлар ёлғон сўзларга ишоняпсизлар. 9 Ўғрилик қиляпсизлар, одам
ўлдиряпсизлар, зино қиляпсизлар, ёлғондакам қасам ичяпсизлар, Баалга назрлар
атаб, ўзингиз билмаган худоларга эргашяпсизлар. 10 Шундай экан, нима учун
сизлар Менинг номим билан аталган уйимга* келиб, ‘Биз хавф–хатардан
холимиз!’ деб айтяпсизлар?! Бундай жирканч ишларни давом эттириш учунми?!
11 Айтинглар–чи, Менинг номим билан аталган бу уй сизлар учун қароқчилар уяси
бўлиб қолдими?! Қилган барча ишларингизни Мен Ўз кўзим билан кўриб
турибман–ку! — деб айтмоқда Эгамиз. — 12 Қани, Шилў шаҳрига* боринглар! Мен
улуғланишим учун илк бор ўша жойни танлаган эдим. Аммо халқим Исроилнинг
қабиҳликлари туфайли ўша жойни не аҳволга солганимни кўриб қўйинглар.
13 Бундай ёвуз ишларни қилаётганингизда, Мен сизларга қайта–қайта гапирдим.
Аммо сизлар гапларимга қулоқ солмадингиз. Сизларга хитоб қилдим, аммо жавоб
бермадингиз, — деб айтмоқда Эгамиз. — 14 Шундай экан, Мен Шилўни не кўйга
солган бўлсам, Ўз номим билан аталган уйимни ҳам ўша аҳволга соламан. Сизлар
умид боғлаган бу уйимни ва ота–боболарингизга берган бу юртни Шилўнинг
аҳволига тушираман. 15 Қондошингиз Эфрайим* халқини улоқтирганимдай,
сизларни ҳам Ўз ҳузуримдан улоқтириб ташлайман.»”

Халқнинг итоатсизлиги

16 Эгамиз шундай деди: “Эй Еремиё, сен бу халқ учун ибодат қилма! Улар учун
фарёд қилиб, илтижо қилма! Уларни деб, Менга ёлворма! Мен сенга қулоқ
солмайман. 17 Яҳудо шаҳарларида, Қуддус кўчаларида улар нималар
қилаётганини кўрмаяпсанми?! 18 Болалар ўтин йиғишади, оталари олов ёқишади,
хотинлар эса хамир қориб, само қироличасига* атаб нонлар ёпишади. Ғазабимни
қўзғатиш учун бегона худоларга шароб назрини келтиришади. 19 Бу қилмишлари
билан улар Менга эмас, ўзларига зарар келтирмоқда–ку! — деб айтмоқда Эгамиз.
— Ўзларини шарманда қилишмоқда–ку! 20 Шу сабабдан, Мен, Эгангиз Раббий,
айтаманки, Мен қаҳру ғазабимни бу заминга, инсонлару ҳайвонларга, даладаги
дарахтлару экинларга сочаман. Ғазабим сўнмас оловдай ёнади.”
21 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: “Сизлар
қурбонликларнинг гўштини ейсизлар, куйдириладиган қурбонликларингизнинг
гўштини ҳам ўзларингиз еявергинглар*. 22 Мен ота–боболарингизни Мисрдан олиб
чиққанимда уларга нафақат қурбонликлар ва куйдириладиган қурбонликларга
оид амрлар берган эдим, 23 балки уларга яна шундай амр берган эдим: «Менга
итоат қилинг! Шунда Мен сизнинг Худойингиз, сизлар эса Менинг халқим
бўласизлар. Фақат Мен кўрсатган йўлдан юринглар, шунда бахтиёр бўласизлар.»
24 Аммо улар итоат қилишни ҳам, қулоқ солишни ҳам хоҳламадилар. Ёвуз
юракларининг ўжарликларига итоат қилдилар. Олдинга юрмай, орқага кетдилар.
25 Аждодларингиз Мисрдан чиққан кундан бошлаб шу кунга қадар, Мен
пайғамбар қулларимни олдингизга кетма–кет жўнатдим. 26 Аммо сизлар Менга
қулоқ ҳам солмадингизлар, эътибор ҳам бермадингизлар. Ўжарликда
ота–боболарингиздан ҳам ўтиб тушдингиз, қилган ишларингиз уларникидан ҳам
ёвузроқ.”
27 Эгамиз шундай деди: “Эй Еремиё, сен бориб, айтганларимнинг ҳаммасини
уларга етказасан, лекин улар сенга қулоқ солишмайди. Уларга хитоб қиласан,
аммо улар сенга жавоб беришмайди. 28 Шунинг учун сен уларга шундай деб айт:
«Сизнинг халқингиз Эгаси Худога итоат қилмади, Унинг гапига кирмади. Ҳақиқат
қолмабди, оғзингиздан ҳақ сўз чиқмайдиган бўлди. 29 Эй Қуддус аҳолиси, аза

тутинг! Сочингизни қириб ташланг*. Марсиянгиз яланг қирлар узра нола қилсин. Зеро, Эгамизнинг тоқати тоқ бўлди, У бу наслни рад этиб, ташлаб кетди.»”

Хиннум сойлигида қилинган гуноҳлар

30 Эгамиз шундай демоқда: “Яҳудо халқи ўзининг Эгаси олдида қабиҳликлар
қилди. Улар Менинг номим билан аталган уйимга макруҳ бутларини ўрнатдилар.
Уйимни ҳаром қилдилар. 31 Шуниси етмагандек, Хиннум сойлигидаги* Тофатда
саждагоҳлар* қурдилар. У ерда ўз ўғилу қизларини оловда куйдирдилар. Аммо
Мен уларга буни амр қилмаганман, бунақасини хаёлимга ҳам келтирмаганман.
32 Қараб туринг! — деб айтмоқда Эгамиз. — Шундай кунлар келадики, одамлар бу
жойни Тофат ёки Хиннум сойлиги деб атамайди. Бу жой «Қирғин водийси» деб
ном олади. У ерда кўп мурдалар дафн қилинади, мурдалар кўплигидан қабрларга
жой етмай қолади. 33 Бу халқнинг жасадлари қушларга ва ёввойи ҳайвонларга ем
бўлади, ҳеч ким уларни ҳайдамайди. 34 Яҳудо шаҳарларида ва Қуддус кўчаларида
шоду хуррамлик садолари бўлмайди, келин–куёвнинг овози эшитилмайди. Бу
юрт ҳувиллаб қолади.”

8–БОБ

1 Эгамиз шундай демоқда: “Ўша вақтда Яҳудо шоҳларининг суяклари,
аъёнларнинг, руҳонийларнинг, пайғамбарларнинг ва Қуддус аҳолисининг
суяклари қабрлардан олиб чиқилади. 2 Уларнинг суяклари қуёш, ой ва юлдузлар
остида сочиб ташланади. Зотан, бу одамлар осмон жисмларини севар эдилар,
ўшаларга хизмат қилар эдилар, уларга эргашиб, маслаҳат солар эдилар, ўшаларга
сажда этар эдилар. Уларнинг суякларини ҳеч ким йиғиб кўммайди, гўнгдай ер
устида ётаверади. 3 Бу ёвуз наслнинг омон қолганларини Мен турли жойларга
сургун қиламан. Ўшанда улар яшашдан кўра, ўлимни афзал кўрадиган
бўладилар.” Сарвари Оламнинг каломи шудир.

Гуноҳ ва жазо

4 Уларга бориб айт, Эгамиз шундай демоқда:

“Йиқилган одам турмайдими?!
Йўлдан адашган ортига қайтмайдими?!
5 Нима учун бу халқ Мен кўрсатган йўлдан озди?
Нима учун Қуддус аҳли тўғри йўлга қайтмаяпти?
Улар ёлғонга қаттиқ ёпишиб олдилар,
Ҳузуримга қайтишдан бош тортдилар.
6 Мен уларнинг гапларига яхшилаб қулоқ солдим,
Биронтаси тўғри гап айтмайди.
Ҳеч бири қилмишидан пушаймон бўлмайди,
«Нималар қилиб қўйдим?» демайди.
Улар жангга чопган отга ўхшайдилар
Ўз йўлларидан қайтмайдилар.
7 Ҳаттоки осмондаги лайлаклар
Қайтиб келиш вақтини билади.
Каптар, қалдирғочу турналар*
Мавсумда кўчиш вақтига амал қилади.
Менинг халқим эса ўз Эгасининг
Қонун–қоидаларини билмайди.

8 Сизлар: «Биз дономиз» деб айтасиз,
«Бизда Эгамизнинг қонунлари бор», деб мақтанасиз.
Аслида тафсирчилар қаллоблик қилиб,
Қонунимни ўзгартирдилар.
9 Бундай донолар шарманда бўлади,
Саросимага тушиб, тузоққа илинади.
Менинг сўзимни рад этганларни
Доно деб бўладими?!
10 Шунинг учун уларнинг хотинларини бошқаларга бераман,
Далаларини босқинчиларга топшираман.
Зотан, уларнинг кичигидан тортиб, каттасигача
Нафсини тиёлмай ҳаром йўл билан пул топишади.
Пайғамбаридан тортиб, руҳонийсигача —
Ҳаммаси товламачилик қилишади.
11 Халқимнинг яраларини юзаки даволашади.
Аҳвол оғир бир пайтда «ҳаммаси яхши», деб айтишади.
12 Жирканч ишлари учун улар уяладиларми?
Йўқ, улар уялмайдилар!
Қизариш деган нарсани билмайдилар.
Шунинг учун бошқалардай ҳалок бўладилар,
Уларни жазолаб, хонавайрон қиламан,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
13 Мен уларнинг ҳосилини тортиб оламан.
Токларида узум қолмайди,
Анжир дарахтлари мева тугмайди,
Барглари тўкилиб хазон бўлади.
Уларга нима берган бўлсам,
Ҳаммасидан жудо бўлишади.”
Эгамизнинг каломи шудир.

14 Яҳудо одамлари бир–бирига айтишади:
“Бу ерда нима қилиб ўтирибмиз, ахир?
Қани бўлинглар, йиғилишиб,
Мустаҳкам шаҳарларга қочиб борайлик,
Ўша ерда жон таслим қилайлик.
Эвоҳ, Эгамизга қарши гуноҳ қилдик!
Эгамиз Худо бизни ўлимга маҳкум этди,
Заҳарли сувдан бизга ичирди.
15 Биз тинчликни изладик,
Аммо яхшилик келмади.
Шифо топмоқчи эдик,
Аммо ваҳимага дучор бўлдик.
16 Ана, душман Дан шаҳрига етиб келди*,
У ердан отларининг пишқиргани эшитилмоқда.
Айғирларнинг кишнагани
Бутун юртни титратмоқда.
Душман юртимизни яксон қилмоқчи,
Шаҳарларни вайрон этиб, одамларни ўлдирмоқчи.”

17 Эгамиз шундай демоқда:

“Мен орангизга илонларни юборяпман,
Бу заҳарли илонлар* сизларни чақади,
Бу илонларни ўйнатиб бўлмайди.”

Еремиёнинг ўз халқи учун тортган жафоси

18 Қайғуларимга тасалли топа олмаяпман,
Юрак–бағрим эзилиб кетди.
19 Халқим фарёд этмоқда,
Юрт бўйлаб дод–войлари эшитилмоқда:
“Наҳотки Эгамиз Қуддусни* тарк этган бўлса?!
Наҳотки Шоҳимиз Сионда бўлмаса?!”

Эгамиз шундай жавоб берди:
“Улар бутлари билан қаҳримни келтирдилар–ку!
Яроқсиз бегона тасвирлари билан Мени ғазаблантирдилар–ку!”

20 Халқ эса шундай деб нолимоқда:
“Ўрим вақти ўтди,
Ёз ҳам тугади,
Биз эса ҳануз қутқарилмадик!”

21 Халқим тортган азоблардан эзилиб кетдим,
Қайғуриб, ваҳимага тушдим.
22 Нима, Гиладда* малҳам йўқмиди?!
Табиб йўқмиди?!
Ундай бўлса, нега халқим шифо топмаяпти?

9–БОБ

1 Кошкийди, бошим бир булоқ бўлса,
Кўзларим ёшлар чашмаси бўлса.
Халқим ҳалокатга учрагани учун,
Кечаю кундуз йиғлаган бўлар эдим!
2 Қанийди, саҳрода бир қўнолғам бўлса,
Мен халқимни тарк этган бўлардим,
Уларнинг орасидан чиқиб кетардим!
Ахир, уларнинг ҳаммаси зинокор, хоинлар тўдасидир.

3 Эгамиз шундай демоқда:
“Халқим тилларини камон каби қайириб,
Ёлғон сўзларни ўқдек отишади.
Халқим ноҳақлик қилиб, юртда кучайиб бормоқда,
Ёмонлик кетидан ёмонлик қилмоқда,
Улар Мени тан олмайдилар.

4 Қўшнингиздан эҳтиёт бўлинг,
Қариндошингизга ишонманг.
Ҳамма қариндошингиз ёлғончи*,
Ҳамма қўшнингиз туҳматчи.
5 Қўшни қўшнисини алдайди,
Биронтаси тўғри гап гапирмайди.

Тили ёлғон гапиришга ўрганиб қолган.
Ҳолдан тойгунча гуноҳ қилишади.
6 Эй Еремиё, сен ёлғончилар орасида яшаяпсан,
Улар ёлғонлари дастидан
Мени тан олишни хоҳламаяптилар.”
Эгамизнинг каломи шудир.

7 Шу сабабдан Сарвари Олам демоқда:
“Мен халқимни синовдан ўтказиб, поклайман.
Уларни бошқа нима ҳам қилар эдим?!
8 Уларнинг тили ҳалокат келтирадиган ўққа ўхшайди,
Оғзидан фақат ёлғон сўзлар чиқади.
Қўшниларига ширин гапиришади,
Ичларида эса уларни тузоққа туширмоқчи бўлишади.
9 Шундай экан, бу қилмишлари учун уларни жазоламайми?!
Шундай бир халқдан ўч олмайми?!”
Эгамизнинг каломи шудир.

10 Мен тоғлар учун фарёд қилиб, йиғлайман,
Даштдаги яйловлар учун марсия айтаман,
Чунки яйловларнинг ҳаммаси қуриб қолган.
У ердан ҳеч ким ўтмайди,
Сигирларнинг маъраши эшитилмайди.
Қушлару ҳайвонлар бу ерларни тарк этган.

11 Эгамиз шундай деди:
“Мен Қуддусни вайрон қиламан,
Бу ерни чиябўриларнинг маконига айлантираман.
Яҳудо шаҳарлари ҳувиллаб қолади,
У ерда биронта ҳам одам қолмайди.”

12 Мен Эгамиздан сўрадим:
— Эй Эгам, нечун бу юрт шу қадар вайрон бўлиб кетди? Нечун саҳро каби ҳувиллаб қолди? У ерда биронта ҳам сайёҳ кўринмайди. Қайси фаросатли одамнинг бунга ақли етади?! Сен буларни ким орқали халққа етказасан?
13 Эгамиз шундай жавоб берди:
— Мен халқимга қонунлар берган эдим, лекин улар рад этдилар, Менга итоат этмадилар, қонунларимга риоя қилмадилар. 14 Аксинча, юракларининг ўжарликларига итоат қилдилар, ота–боболари ўргатгандек Баалга сиғиндилар.
15 Шунинг учун Мен бу халққа аччиқ ўтдан едириб, заҳарли сувдан* ичираман, — деб айтмоқда Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам. — 16 Ўзлари ва ота–боболари билмаган халқлар орасига Мен уларни тарқатиб юбораман. Уларнинг кетидан қилич жўнатиб, қирдириб ташлайман.

Қуддус аҳолиси аза тутади

17 Сарвари Олам шундай демоқда:
“Энди қулоқ солинг!
Йиғичи аёлларни* чақириб келинг,
Уларнинг энг моҳирлари келсин.”

18 Халқ шундай деди:

“Уларга айтинг, тезроқ келсин.
Биз учун марсия айтишсин,
Кўзимиздан ёшлар оқсин,
Киприкларимиздан сувлар тўкилсин.
19 Ана, Қуддусдан* фарёд эшитилмоқда:
«Хонавайрон бўлдик!
Қандай шармандагарчилик!
Юртимизни тарк этишга мажбурмиз,
Уйларимиз вайрон бўлди.»”

20 Эй аёллар, Эгамизнинг сўзини эшитинг,
Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзига қулоқ солинг.
Қизларингизга марсия айтишни ўргатинг,
Бир–бирингизга йиғи қўшиғини ёдлатинг.
21 Ана, деразалардан ўлим ўрмалади,
Қалъаларимизга кириб олди.
Кўчалардаги болаларни йўқ қилиб ташлади,
Майдонлардаги ёшларни қириб юборди.
22 Эй аёллар, сизлар айтинг:
“Эгамиз шундай демоқда:
«Одамларнинг жасадлари ётади
Даладаги гўнг каби
Ўроқ солинган буғдой каби,
Уларни ҳеч ким йиғиштириб олмайди.»”

23 Эгамиз шундай деб айтмоқда: “Донолар донолиги билан мақтанмасин. Кучлилар кучи билан мақтанмасин. Бойлар бойлиги билан мақтанмасин. 24 Ким мақтанмоқчи бўлса, Эгамизни биламан, деб мақтансин, Эгамизни тушунаман, деб мақтансин. Мен Эгангизман. Мен меҳр–шафқат кўрсатаман, ер юзида адолату ҳақиқат ила иш тутаман. Бундай қилишдан Мен завқланаман.” Эгамизнинг каломи шудир.

25 Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, бадани суннат қилинган, аммо юраги суннат қилинмаган одамларнинг* ҳаммасини Мен жазолайман. 26 Ҳа, Мен Мисрликларни, Эдом наслини, Оммон халқини, Мўабликларни, сочини олдириб юрадиган* чўл қабилаларининг ҳаммасини* ва улар билан бирга Ўз халқим Яҳудони жазолайман. Аслида, бу халқларнинг ҳаммаси суннатсиз, уларнинг юраги суннат қилинмаган.”

10–БОБ

Бутлар ҳақида

1 Эй Исроил халқи, Эгамиз сизларга айтаётган сўзларга қулоқ солинг. 2 Эгамиз шундай демоқда:

“Бошқа халқларга тақлид қилманглар,
Бошқа халқлар сингари,
Осмондаги аломатлардан қўрқманглар.
3 Халқларнинг удумлари беҳуда!
Улар ўрмондан дарахт кесади,
Ҳунарманд болтаси билан унга шакл бериб,

4 Кумушу олтин билан безатади.
Йиқилиб кетмасин дея, мих билан маҳкамлайди,
5 Бутлари полиздаги қўриқчиларга ўхшайди.
Улар гапира олмайди.
Уларни кўтариб юриш керак бўлади,
Ўзлари юра олмайди.
Улардан қўрқманглар,
Уларнинг қўлидан ҳеч қандай ёмонлик келмайди,
Яхшилик ҳам қила олмайди.”

Еремиё Худонинг шаънига ҳамду санолар айтади

6 Эй Эгамиз, Сенга ўхшаши йўқ!
Сен буюкдирсан,
Сенинг номинг улуғ ва қудратлидир.
7 Эй элларнинг Шоҳи,
Сендан қўрқмайдиган бирор зот борми?!
Сен бунга лойиқдирсан.
Халқларнинг донишмандлари орасида,
Уларнинг шоҳлари орасида
Сенга ўхшаши йўқ.
8 Донишмандларию шоҳлари* аҳмоқ ва бефаросат.
Улар бетайин ёғоч бутларидан маслаҳат олишади.
9 Бутларини ясаш учун кумушни Таршишдан,
Олтинни Уфаздан келтиришади.
Бутларни ҳунарманду заргарлар ясаган.
Кўк ва сафсар либослар билан безаган,
Ҳаммаси — моҳир усталарнинг ишидир.
10 Аммо Эгамиз ҳақ Худодир.
У барҳаёт Худо ва абадий Шоҳдир.
Ғазабланганда ер силкинади,
Унинг қаҳрига халқлар дош бера олмайди.

11 Эгамиз шундай деди: “Бошқа халқларга айт: «Бу худолар еру осмонни яратмаган. Улар ер юзидан ва осмон остидан йўқ бўлиб кетади.»”*

12 Эгамиз қудрати ила ерни яратди,
Донолиги ила дунёни бунёд этди,
Идроки ила осмон гумбазини ўрнатди.
13 Унинг овозидан осмондаги сувлар гулдурайди,
У дунёнинг тўрт бурчидан булутларни олиб келади.
Ёмғир ёғдирганда чақмоқ чақтиради,
Омборларидаги шамоллардан эстиради.
14 Унинг олдида ҳамма одамлар аҳмоқ ва нодондир.
Заргарлар ясаган бутлари туфайли шарманда бўлишади.
Ясаган санамлари сохтадир, уларнинг жони йўқ.
15 Бу бетайин бутлар алдамчидир.
Уларни жазолаганим заҳоти йўқ бўлишади.
16 Ёқубнинг Худоси эса ундай эмас.
Бутун борлиқни У яратган,
Исроил қабиласини Ўзига мулк қилган.

Унинг номи Сарвари Оламдир.

Сургун вақти яқинлашиб келмоқда

17 Эй қуршовда яшаётганлар!
Бор–будингизни йиғиштириб олинг.
18 Зеро, Эгамиз шундай демоқда:
“Мен сизларни Исроил юртидан улоқтириб ташлайман,
Бошингизга кулфат ёғдираман,
Токи сизлар буни сезинглар.”

19 Шўрим қурсин! Шунчалик азобларга қолдим!
Оғир яраланган эканман.
Аммо ўзимга ўзим: “Бошимда шу дард бор экан,
Унга чидашим керак”, дедим.
20 Чодирим йиқитилган, иплари узиб ташланган.
Фарзандларим кетди, улар йўқ бўлди.
Энди чодиримни ким тикади?!
Чодиримнинг пардаларини ким осади?!
21 Ахир, чўпонлар аҳмоқ,
Улар Эгамиздан маслаҳат олмадилар.
Шунинг учун ҳам ишлари ўнгидан келмади,
Қўйлари ҳар ёққа тарқалиб кетди.

22 Эшитинглар! Бир хабар келмоқда!
Ана, шимолдан* шовқин–сурон кўтарилмоқда!
Лашкарлар Яҳудо шаҳарларини хароб қилар эмиш,
Чиябўрилар яшайдиган маконга айлантирар эмиш.

Еремиё ибодат қилади

23 Эй Эгам, биламан,
Одам зоти ўз тақдирини ўзи белгилай олмайди,
Ўз қадами ўзининг ихтиёрида эмас.
24 Эй Эгам, мени жаҳл устида жазоламагин.
Адолатинг ила ҳақ йўлга солгин,
Акс ҳолда, мени йўқ қилиб юборасан.

25 Сени тан олмайдиган халқлар устига қаҳрингни соч,
Сенга сажда қилмайдиган эллар устига соч,
Ахир, улар Ёқуб наслининг бошини едилар.
Ҳаммасини ҳалок этиб, йўқ қилдилар,
Юртини харобазорга айлантирдилар.

11–БОБ

Еремиё ва аҳд

1 Еремиёга Эгамизнинг қуйидаги сўзи аён бўлди: 2 “Менинг Исроил халқи
билан тузган аҳд шартларимга қулоқ сол. Буларни Яҳудо халқи ва Қуддус
аҳолисига етказ. 3 Уларга айт: «Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай
демоқда: ушбу аҳд шартларига риоя қилмаган ҳар бир одам лаънати бўлсин!
4 Мен ота–боболарингизни Мисрдан, ўша темир ўчоқ ичидан олиб чиққан эдим.
Уларга, гапларимга қулоқ солинглар, ҳамма амрларимни бажаринглар, деб айтган

эдим. Агар шундай қилсангиз, сизлар Менинг халқим бўласиз, Мен эса сизнинг Худойингиз бўламан, деб айтдим. 5 Мен ота–боболарингизга берган қасамимни бажариш учун шу сўзларни айтган эдим. Мана, Мен уларга ваъда қилган, сут ва асал оқиб ётган юртда* сизлар яшаб юрибсизлар.»”

“Омин, эй Эгам, айтганинг келсин”, дедим мен.

6 Эгамиз менга шундай деди: “Айтадиган гапларимнинг ҳаммасини Яҳудо шаҳарларида ва Қуддус кўчаларида шундай деб эълон қилгин: ушбу аҳднинг шартларини эшитинглар, уларга риоя қилинглар. 7 Мен ота–боболарингизни Мисрдан олиб чиққанимдан бери уларни огоҳлантириб келдим. Уларга: «Менинг гапларимга қулоқ солинглар», деб қайта–қайта айтдим. 8 Аммо улар итоат қилмадилар, Менга қулоқ солмадилар. Аксини қилиб, ёвуз юракларининг ўжарликларига итоат этдилар. Шунинг учун аҳдда ёзилган ҳамма лаънатларни уларнинг бошига солдим. Мен уларга буюрган аҳдимнинг шартларини бажармаганлари учун шундай қилдим.”

9 Эгамиз менга деди: “Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолиси Менга қарши фитна уюштиришмоқда. 10 Улар ота–боболарининг эски гуноҳларига қайтишди. Ота–боболари сингари, гапларимга қулоқ солмай, бегона худоларга эргашиб, сажда қилишди. Яҳудо халқи Исроил халқига* тақлид қилди, Мен ота–боболари билан тузган аҳдимни улар бузишди. 11 Шунинг учун уларнинг бошларига шундай кулфат келтираманки, биронтаси ҳам қутулиб қололмайди, — деб айтмоқда Эгамиз. — Менга илтижо қилишса ҳам, уларнинг илтижоларига қулоқ солмайман. 12 Ўшанда Яҳудо халқи билан Қуддус аҳолиси ўз худоларига илтижо қилишади. Улар бу худоларига қурбонликлар келтиришар эди. Аммо кулфат куни ўша худолари уларни асло қутқаролмайди. 13 Эй Яҳудо халқи, шаҳарларингиз сони қанча бўлса, худоларингиз ҳам шунчадир. Қуддусдаги кўчалар қанча кўп бўлса, қурбонгоҳларингиз ҳам шунчадир. Сизлар бу қурбонгоҳларни жирканч Баалга қурбонликлар келтириш учун қургандингизлар.

14 Эй Еремиё, сен бу халқ учун ибодат қилма. Улар учун илтижо қилиб ёлворма. Уларнинг бошларига кулфат тушиб, илтижо қилганларида, Мен уларга қулоқ солмайман. 15 Азиз халқим шунча жирканч ишлар қилди. Энди уйимга киришларига нима ҳақлари бор?! Ваъдалару қурбонликлар билан кулфатнинг олдини олиб бўлармиди?! Ахир, халқим қабиҳликлар қилаётганидан севинди–ку!”

16 Эгамиз Ўз халқини “Яхши мева берадиган, мафтункор ям–яшил зайтун дарахти” деб атаган эди. Аммо энди Эгамиз бўроннинг даҳшатли товуши остида дарахтга ўт қўяди, унинг шох–шаббалари ёниб кетади. 17 Бу дарахтни эккан Сарвари Оламнинг Ўзи уни йўқ қилишга амр берди. Зеро, Исроил ва Яҳудо халқлари қабиҳликлар қилдилар. Баалга қурбонликлар келтириб, Худони ғазаблантирдилар.

Еремиёнинг жонига қасд қилишади

18 Эгамиз менга душманларимнинг фитнасини аён қилди. Эгамиз уларнинг ёвуз қилмишларини кўрсатгани учун, мен бу ҳақда хабар топдим. 19 Мен бўғизланишга олиб кетилаётган ювош қўзидай бўлган эканман. Душманларим менга қарши фитна уюштирганларини пайқамаган эканман. Улар шундай деб айтишган эди: “Дарахт ва унинг мевалари кесилгандай, келинглар, уни ҳам бу дунёдан даф қилайлик, унинг хотирасини ўчирайлик!”

20 Эй Сарвари Олам,
Сен адолат билан ҳукм қиласан,
Инсоннинг юрагини, хаёлларини синайсан.

Душманларимдан ўч олганингни кўрай,
Даъвоимни Ўзинг ҳал қил!

21 Шунда Эгамиз менга деди: “Эй Еремиё, Онотўт* аҳолиси сенга: «Эгамизнинг
номидан гапирма, бўлмаса ўласан», деб айтиб юришибди. 22 Аммо Мен, Сарвари
Олам, айтаманки, уларни жазолайман! Йигитлари қиличдан ўлади. Ўғил–қизлари
қаҳатчиликдан нобуд бўлади. 23 Уларнинг биронтаси омон қолмайди.
Белгиланган вақтда Онотўт аҳолисининг бошига кулфат келтираман.”

12–БОБ

Еремиё Эгамизга саволлар беради

1 Сен билан даъволашганимда, эй Эгам,
Сен ҳар доим ҳақ бўлиб чиқасан.
Шундай бўлса–да, Сен билан яна гаплашмоқчиман,
Адолат хусусида савол бермоқчиман.
Нечун фосиқларнинг иши юришади?
Нечун мунофиқлар роҳатда яшайди?
2 Уларни Сен экиб ундирдинг,
Улар ўсиб ҳосилга кирдилар.
Номинг уларнинг оғзидан тушмайди,
Аммо диллари Сендан узоқдир.
3 Лекин Сен, эй Эгам, мени биласан.
Сен мени синагансан,
Дилим Сенга мойил эканини Ўзинг кўрдинг.
Энди ёвларимни бўғизланадиган қўйлардай судрагин!
Бўғизлашга тайёрлаш учун ажратиб қўйгин!

4 Эвоҳ, қачонгача ер қақраб ётади?
Қачонгача далалардаги ҳамма ўтлар қурийди?
Бу ерда яшайдиган фосиқларнинг дастидан,
Қушлару ҳайвонлар нобуд бўлди.
Бу одамлар: “Бизга нима бўлишини
Еремиё қаердан ҳам биларди?!”* деб айтишади.

5 Эгамиз менга деди: “Эй Еремиё,
Сен одамлар билан пойга қилиб ҳолдан тойган бўлсанг,
Қандай қилиб отлар билан пойга қила оласан?!
Фақат осойишта юртда ўзингни бехатар сезсанг,
Иордан бўйидаги чакалакзорда* нима қиласан?!
6 Ҳатто қариндошларинг ҳам сендан юз ўгирди,
Ўз оиланг сенга хиёнат қилди.
Овози борича сенга дўқ урди.
Улар сенга ширин гапиришса ҳам,
Уларнинг сўзларига ишонма.”

Эгамиз Ўз халқи учун қайғуради

7 Эгамиз шундай деб айтди:
“Мен хонадонимни тарк этдим,
Мулк қилиб олган халқимни рад этдим.

Севган халқимни душманларининг қўлига бердим.
8 Ўз халқим Менга
Ўрмондаги шердай бўлиб қолди.
У Менга қараб бўкирди,
Шунинг учун ундан нафратландим.
9 Ўз халқим Менга
Олачипор калхатдай бўлиб қолди.
Бошқа калхатлар халқимни ўраб олди!
Боринг, барча ёввойи ҳайвонларни йиғинг,
Халқимни ғажиб ташлашсин.
10 Тўда–тўда чўпонлар узумзоримни хароб қилдилар,
Даламни улар пайҳон қилдилар.
Ҳа, гўзал даламни ташландиқ чўлга айлантирдилар.
11 Улар еримни хароб қилдилар,
Ташландиқ ерим кўз олдимда қақраб ётибди.
Бутун юртим вайрон бўлди,
Аммо бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.
12 Босқинчилар саҳродаги
Ҳамма яланг қирларни эгаллаб олдилар.
Энди Менинг қиличим бутун юртни вайрон қилади,
У бошидан бу бошигача ҳаммани қириб ташлайди.
Бехатар яшаётган бironта одам қолмайди.
13 Менинг халқим буғдой экди,
Аммо тикан ўриб олди,
Зўр бериб ишлади,
Аммо ҳеч нарсага эришмади.
Қаттиқ қаҳрим уларнинг ҳосилини нобуд қилди.
Улар ҳосилсиз қолиб, шарманда бўлишди.”

Эгамиз қўшни халқларга ваъда беради

14 Эгамиз шундай демоқда: “Мен халқимга Исроил юртини мулк қилиб берган эдим, аммо унинг ёвуз қўшнилари халқимга ҳужум қилиб, юртимни талон–тарож қилдилар. Мен бу ёвуз халқларни ўз юртларидан суғуриб ташлайман. Яҳудо халқини уларнинг исканжасидан суғуриб оламан. 15 Ўша ёвуз халқларни суғуриб ташлаганимдан кейин, уларга яна раҳм–шафқат қиламан. Ҳаммасини ўз юртларига, ўз мулкларига қайтариб олиб келаман. 16 Илгари бу халқлар Исроил халқига Баал номи билан қасам ичишни ўргатган эдилар. Агар энди улар халқим Исроилнинг йўлини астойдил ўргансалар, «Эгамиз шоҳид» дея Менинг номим билан қасам ичсалар, халқим орасида ўрнашиб оладилар. 17 Борди–ю, бironта халқ Менга итоат этмаса, ўша халқни таг–томири билан қўпориб ташлайман.” Эгамизнинг каломи шудир.

13–БОБ

Зиғир толасидан тўқилган қийиқча

1 Эгамиз менга шундай деди: “Бор, ўзинг учун зиғир қийиқча сотиб ол. Уни белингга боғла, аммо сувга теккизма.” 2 Эгамизнинг амрига биноан, мен қийиқча сотиб олиб, белимга боғлаб олдим. 3 Кейин Эгамиз менга шу сўзини аён қилди:
4 “Сотиб олган белингдаги қийиқчани қўлингга олгин–у, Поро анҳорининг* бўйига туш. Қийиқчани қоянинг ёриқ жойига яшириб қўй.” 5 Мен Эгамиз

буюрганидек қилдим. Қийиқчани Поро анҳорининг бўйига яшириб қўйдим.
6 Орадан анча кун ўтгандан сўнг, Эгамиз менга шундай деди: “Қани, Поро
анҳорининг бўйига бор, Менинг амримга биноан, у ерга яшириб қўйган
қийиқчангни олиб кел.” 7 Шунда мен бориб, қийиқчани ўзим яшириб қўйган
жойдан ковлаб олдим. Аммо қийиқча чириб кетган, ҳеч нарсага ярамайдиган
бўлиб қолган эди.
8 Шунда Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди. 9 Эгамиз шундай демоқда: “Мен
Яҳудо халқининг мағрурлигини ва Қуддус аҳолисининг такаббурлигини қийиқча
каби чиритаман. 10 Бу фосиқ халқ сўзларимни эшитишдан бош тортди, ёвуз
юрагининг ўжарликларига итоат қилди. Бегона худоларга эргашди, уларга
хизмат қилиб, сажда этди. Улар ўша чириб кетган қийиқча каби, ҳеч нарсага
ярамайдиган бўлиб қоладилар. 11 Қийиқча одамнинг белига ёпишиб тургани
каби, Мен жамики Исроил ва Яҳудо халқларини Ўзимга яқин тутар эдим: улар
Менинг халқим бўлишади, Менга шон–шуҳрат, олқишлар ва шараф келтиришади
деб, шундай қилган эдим. Аммо улар Менга қулоқ солмадилар.” Эгамизнинг
каломи шудир.

Шароб учун мешлар

12 Исроил халқининг Худоси — Эгамиз менга шундай деди: “Эй Еремиё, халққа
айт: «Шароб мешлари шароб билан тўлдирилиши керак.» Борди–ю, улар сенга:
«Шароб мешлари шароб билан тўлдирилиши кераклигини ўзимиз ҳам биламиз»,
деб айтишса, 13 сен уларга шундай деб жавоб бер: «Эгамиз демоқда: Мен бу
юртдаги ҳамма одамларни маст* қиламан. Довуд тахтида ўтирган шоҳдан тортиб,
руҳонийлар, пайғамбарлар ва Қуддуснинг бутун аҳолисигача — ҳаммасини маст
қиламан. 14 Мен уларни бир–бирларига, ота–оналарни болаларига қарши қилиб
қўяман, — деб айтмоқда Эгамиз. — Уларни аямай йўқ қилиб ташлайман, уларга
ачинмайман, раҳм–шафқат қилмайман.»”

Еремиё такаббурлик оқибатлари ҳақида огоҳлантиради

15 Эшитинглар, қулоқ солинглар,
Катта кетманглар,
Зотан, Эгамиз гапирмоқда.
16 Худо устингизга зулмат юбормасдан олдин,
Қоронғи қирларда қоқилмасингиздан олдин,
Эгангиз Худони улуғланг.
Акс ҳолда, сиз кутаётган ёруғликни
У зулматга айлантиради,
Ўша ёруғликни тим қоронғи қилади.
17 Агар сиз гапларимга қулоқ солмасангиз,
Мағрурлигингиз учун қалбим пинҳон йиғлайди.
Мен аччиқ–аччиқ кўз ёш тўкаман,
Ахир, Эгамизнинг қўйлари
Асирликка олиб кетилади.

18 Эгамиз менга деди:
“Шоҳга ва она маликага* шундай дегин:
«Тахтдан тушинглар,
Ахир, чиройли тожингиз
Бошингиздан тушиб кетди.»
19 Нагав чўлидаги шаҳарлар беркитилган,
Дарвозаларни очадиган кимса йўқ.

Яҳудо халқи асирликка олиб кетилди,
Ҳа, бутун халқ сургун қилинди.”

20 Эй Қуддус, шимолдан келаётганларга бир қара!
Қани сенинг чиройли қўйларинг?
Қани сенга топширилган сурувинг?
21 Сен иттифоқдошларингга ўзинг устозлик қилган эдинг,
Эгамиз ўшаларни бошингга чиқарганда, нима дер экансан?
Шунда сен тўлғоқ тутган аёлдай бўлиб қоласан–ку!
Дард азобида қолиб кетасан–ку!
22 “Нега булар бошимга тушди?” дерсан.
Сен кўп гуноҳ қилдинг,
Этагинг кўтарилди, хўрландинг.
23 Ҳабашистонлик* ўз терисининг рангини ўзгартира оладими?!
Қоплон ўз терисидаги холларини йўқота оладими?!
Шу сингари, сизлар ҳам яхшилик қила олмайсизлар,
Ёмонлик қилишга одатланиб қолгансизлар!

24-25 Эгамиз шундай деб айтмоқда:
“Гармсел* сомонни тўзғитгандай,
Мен сизларни сочиб ташлайман.
Бу сизларнинг қисматингиздир,
Мен бошингизга ёғдирадиган кулфат шудир.
Сизлар Мени унутдингизлар,
Сохта худоларга инондингизлар.
26 Мен кўйлагингиз этагини баланд кўтараман,
Шармандангизни чиқараман.
27 Далаларда, қирларда қилган
Жирканч ишларингизни Мен кўрдим,
Зино ва шаҳвоний қийқириқларингизни эшитдим.
Уятсизларча қилган фоҳишабозлигингизнинг гувоҳи бўлдим*.
Эй Қуддус, ҳолингга вой!
Қачонгача булғаниб юрасан?!”

14–БОБ

Даҳшатли қурғоқчилик

1 Еремиёга Эгамизнинг қурғоқчилик ҳақидаги сўзи аён бўлди:

2 “Яҳудо аза тутмоқда,
Шаҳарлари адойи тамом бўлди.
Одамлар қайғуга ботган,
Бағирларини ерга бериб ётибди,
Қуддусдан фарёд кўтарилмоқда.
3 Асилзодалар хизматкорларини сувга юбордилар.
Хизматкорлар сардобаларга борган эдилар,
Аммо сув топа олмадилар.
Идишлари бўм–бўш қайтиб келдилар.
Улар тушкунликка тушдилар,
Шарманда бўлиб қолдилар,

Уятдан юзларини беркитиб олдилар.
4 Ёмғир ёғмагани учун ер ёрилиб кетди,
Деҳқонлар умидсизликка тушди,
Юзларини беркитиб олишди.
5 Ҳатто чўлдаги она оҳу ҳам,
Ўт–ўлан бўлмагани учун,
Янги туғилган оҳучаларини ташлаб кетмоқда.
6 Қулонлар яланг қирларда туриб,
Чиябўрилар каби ҳансираяпти,
Ўт йўқлигидан қулонларнинг кўзлари киртайиб қолган.”

7 Гуноҳларимиз бизга қарши гувоҳлик берса–да,
Ўз номинг ҳақи–ҳурмати бизга раҳм қил, эй Эгам.
Ахир, биз Сенга кўп хиёнат қилдик,
Сенга қарши гуноҳ ишлар қилдик.
8 Эй Исроилнинг ёлғиз умиди,
Кулфат вақтида Қутқарувчиси!
Нечун юртимизда мусофирга ўхшайсан?
Бир кечагина тунайдиган сайёҳга ўхшайсан?
9 Нега саросимага тушган одамга ўхшайсан?
Нега ёрдам бера олмайдиган жангчига ўхшайсан?
Эй Эгам, Сен бизнинг орамиздасан–ку!
Биз Сеникимиз.
Бизни тарк этма!

10 Эгамиз бу халқ ҳақида шундай демоқда:
“Улар ўзларини сира тия олмайдилар,
Дайдиб юришни ҳақиқатан яхши кўрадилар.
Шунинг учун Мен улардан рози эмасман,
Энди қабиҳликларини ёдга оламан,
Гуноҳлари учун уларни жазолайман.”

11 Сўнг Эгам менга тайинлаб деди:
— Бу халқ учун ибодат қилма. 12 Улар рўза тутишса ҳам, Мен уларнинг илтижоларига қулоқ солмайман. Менга атаб қурбонликлар куйдиришса ҳам, дон назрларини олиб келишса ҳам қабул қилмайман. Аксинча, уларни қаҳатчилик, уруш ва ўлат орқали қириб ташлайман.
13 Мен эса шундай дедим:
— Ё Эгам Раббий, пайғамбарлар бу халққа, уруш ва қаҳатчилик бўлмайди, сизлар бу юртда чинакамига осойишта ҳаёт кечирасизлар, деб айтишмоқда–ку.
14 Эгамиз менга шундай жавоб берди: “Пайғамбарлар Менинг номимдан ёлғон гапиришмоқда. Мен уларни юбормаганман, уларга гапиришни буюрмаганман. Улар сизларга уйдирмаларни ўзларича башорат қилишяпти, беҳуда фол очиб, хаёлларига келган ёлғонларни гапиришяпти. 15 Ўша пайғамбарлар Менинг номимдан гапиришса ҳам, уларни Мен жўнатмаганман. Улар: «Юртда уруш ва қаҳатчилик бўлмайди», деб айтаётган эканлар, аммо Мен айтаманки, ўша пайғамбарлар уруш ва қаҳатчиликдан нобуд бўлишади. 16 Уларнинг гапларини тинглаётган одамлар ҳам уруш ва қаҳатчиликдан ўлади. Жасадлари Қуддус кўчаларида қолиб кетади. Уларнинг, хотинларининг, ўғил–қизларининг жасадларини кўмадиган одам бўлмайди. Қилган қабиҳликларини Мен

ўзларининг бошларига соламан.
17 Сен уларга шундай деб айт:

«Кечаю кундуз кўзларимдан ёш оқяпти,
Ўзимни тўхтата олмаяпман.
Зеро, бокира қизим — Менинг халқим,
Қаттиқ зарба еди, оғир яраланди.
18 Далага чиқаман,
Эвоҳ, ана, қиличдан ҳалок бўлганлар ётибди.
Шаҳарга кираман,
Ана, очарчиликдан ўлганлар ётибди.
Пайғамбару руҳонийлар эса пул дардида
Одамларга бемаъни маслаҳатлар бериб юрибдилар*.»”

Еремиё Худога илтижо қилади

19 Эй Эгамиз, наҳотки Яҳудони бутунлай рад этган бўлсанг?!
Наҳотки Қуддусдан* ҳазар қилсанг?!
Нечун бизни оғир яраладинг?
Шифо топа олмаяпмиз–ку!
Биз тинчликни изладик, аммо яхшилик келмади,
Шифо топмоқчи эдик, аммо ваҳимага дучор бўлдик.
20 Эй Эгамиз, Сенга қарши гуноҳ қилдик!
Қабиҳликларимизга иқрор бўлдик,
Ҳа, ота–боболаримизнинг айбларини тан оламиз.
21 Номинг ҳақи–ҳурмати бизни рад этма,
Улуғвор тахтинг турган жойни хор қилма.
Биз билан тузган аҳдингни ёдингда тут,
Ўтинамиз, аҳдингни бузма.
22 Халқларнинг бетайин бутлари ёмғир ёғдира олармиди?!
Ёғингарчилик осмоннинг хоҳиши билан бўлармиди?!
Буларни қилишга қодир Сен эмасми, эй Эгамиз Худо?!
Биз умидимизни Сенга боғлаганмиз,
Зотан, буларнинг ҳаммасини қила оладиган Сенсан.

15–БОБ

Яҳудо халқининг қисмати

1 Эгамиз менга деди: “Ҳатто Мусо билан Шомуил ҳузуримда туриб, ёлворганда ҳам, Мен бу халққа ачинмаган бўлардим. Бу халқни ҳузуримдан ҳайда! Йўқолишсин! 2 Улар сендан «Қаерга борамиз?» деб сўрашса, уларга айт, Эгамиз шундай демоқда:

«Ҳамма пешанасида борини кўрсин,
Баъзилар ўлатга йўлиқиб нобуд бўлсин,
Баъзилар қиличдан ўтказилсин,
Баъзилар очликдан қирилиб кетсин,
Баъзилар асирликка тушиб, сургун қилинсин.»”

3 Эгамиз демоқда: “Уларнинг бошига тўрт хил балою офатни келтираман: улар қиличдан ҳалок бўлишади, жасадларини итлар судрайди, қушлар ва ёввойи

ҳайвонлар уларни ғажиб ташлайди. 4 Ҳизқиё ўғли Манаше Яҳудо шоҳлиги тахтида
ўтириб, Қуддусда кўп қабиҳликлар қилган эди*. Ўша қабиҳликлар туфайли
дунёдаги барча шоҳликлар халқимдан ҳазар қиладиган бўлади.”

5-6 Эгамиз шундай демоқда:
“Эй Қуддус, ким сенга ачинар экан?!
Ким сен учун мотам тутар экан?!
Биронтаси сенга келиб,
Ҳол–аҳвол сўрармикан?!
Сен Мени рад этдинг,
Менга орқа ўгирдинг.
Сенга раҳм қилавериб чарчадим.
Энди сенга қарши қўл кўтараман,
Сени йўқ қилиб юбораман.
7 Мен сени юртнинг ҳар бир шаҳрида
Буғдойни совургандай совураман.
Сени фарзандларингдан жудо қиламан.
Эй халқим, сени нобуд этаман,
Ахир, сен ўз йўлингдан қайтмадинг.
8 Мен беваларингни денгиз қумидан ҳам кўп қиламан,
Йигитларингнинг оналарига қарши
Куппа–кундуз куни қирғин қилувчини жўнатаман.
Тўсатдан бошларига даҳшат ва азоб–уқубат соламан.
9 Етти фарзаднинг онаси ҳолдан тойиб, жон беради.
Унинг қуёши кундуз куни ботади,
У хўрланиб, шарманда бўлади.
Омон қолганлари душман қиличидан ўлади.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Еремиё Эгамизга шикоят қилади

10 Шўрим қурсин! Нега онам мени дунёга келтирган экан–а?! Мен бутун юрт
билан тортишиб, жанжаллашяпман. Қарз олмаган, қарз бермаган бўлсам ҳам,
ҳамма мени қарғамоқда.
11 Эгамиз шундай деди: “Эй Қуддус аҳли, Мен айримларингизни омон
қолдираман, ўшаларга яхшироқ тақдир ато қиламан. Қолганларингизнинг
устингизга эса душман тортиб келаман, бошингизга кулфату оғир кунлар
соламан. 12 Эй Яҳудо халқи, сиз бронза ва темирни синдира олмаганингиз каби,
шимолдан* сизга ҳужум қиладиган душманларни ҳам синдира олмайсизлар.
13 Сизлар юртингизнинг ҳамма жойида кўп гуноҳлар қилдингизлар. Шунинг учун
бойликларингиз ва хазиналарингиз душманларга текин ўлжа бўлади. 14 Ўзингиз
билмаган юртда душманларингизга хизмат қиласизлар. Менинг ғазабим
сизларни оловдай ямламай ютади.”

15 Эй Эгам, Сен ҳаммасини биласан,
Ёдга ол мени, ёрдам бергин,
Мени қувғин қилганлардан ўч олгин.
Ғанимларимга сабр–тоқат қилиб,
Тағин мени ҳалок қилиб юборма.
Сени деб хўрланганимни эсингдан чиқарма.
16 Айтган ҳар бир сўзингга ташна эдим.

Сўзларингдан шодланар эдим,
Сўзларинг дилимга қувонч бағишлар эди.
Зеро, мен Сенга тегишлиман,
Эй Парвардигори Олам — Эгамиз.
17 Мен хушчақчақ улфатлар даврасида ўтирмадим,
Уларнинг хурсандчилигига шерик бўлмадим.
Қўлинг остида ёлғиз ўзим ўтирар эдим,
Сен мени ғазабга тўлдирган эдинг.
18 Нега менинг дардим зўрайяпти?
Нега оғир ярам тузалмаяпти?
Наҳотки ёзда қуриган булоқ каби,
Умидларимни барбод қилсанг?!

19 Эгамиз менга шундай деди:

“Агар тавба қилсанг, сени яна хизматимга оламан.
Бўлмағур гаплар ўрнига тўғри сўзлар гапирсанг,
Сени Ўзимнинг сўзловчим қиламан.
Шунда сен халқнинг олдига бормайсан,
Улар сенинг олдингга келишади.
20-21 Мен сени бу халқ қаршисида
Мустаҳкам бронза девордай қиламан.
Улар сенга ҳужум қилишади,
Лекин сени енга олишмайди.
Ўзим сен билан бирга бўламан,
Сени халос қилиб, қутқараман,
Ҳа, фосиқлар қўлидан халос қиламан,
Золимлар чангалидан озод этаман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

16–БОБ

Еремиёнинг ҳаёти учун Эгамизнинг режаси

1 Эгамизнинг қуйидаги сўзи менга аён бўлди: 2 “Оила қурма, бу юртда
ўғил–қизларинг бўлмасин. 3 Бу юртда туғилган ўғил–қизлар ҳақида ва уларни
дунёга келтирган ота–оналар ҳақида Мен, Эганг, айтаманки, 4 улар оғир
хасталиклардан ҳалок бўлишади. Улар учун ҳеч ким аза тутмайди, жасадларини
кўмадиган бирон кимса бўлмайди, жасадлари гўнг каби, ер устида ётаверади.
Улар қиличдан ва қаҳатчиликдан ҳалок бўлишади, жасадлари қушлар ва ёввойи
ҳайвонларга ем бўлади.
5 Мен сенга айтаман: азадор уйга кирма, мотам тутма, таъзия билдирма. Мен
бу халқни тинчлик–хотиржамлигимдан маҳрум қилдим. Мен бу халқни
севмайман, уларга меҳр–шафқат кўрсатмайман, — деб айтмоқда Эгамиз. — 6 Бу
юртнинг каттаю кичиги ўлиб кетади, уларни ҳеч ким кўммайди. Ҳеч ким улар
учун аза тутмайди, қайғудан баданини тилмайди, сочини олдирмайди*.
7 Азадорларга тасалли бериш учун ҳеч ким овқат олиб чиқмайди. Ота ёки
онасидан жудо бўлганларга тасалли бериш учун ҳеч ким бир коса шароб
узатмайди.
8 Зиёфат бўлаётган уйга кирма, улар билан ўтириб, еб–ичма. 9 Чунки сенинг
замонингда шоду хуррамлик садоларига, келин–куёвнинг хурсандчилик

овозларига чек қўяман, — деб айтмоқда Исроил халқининг Худоси — Саравари Олам. — Буни ўз кўзинг билан кўрасан.
10 Айтганларимнинг ҳаммасини одамларга гапириб берганингда, улар сендан шундай деб сўрайдилар: «Нега Эгамиз бизга бундай кулфатларни раво кўряпти? Айбимиз нима? Эгамиз Худога қарши нима гуноҳ қилдик?» 11 Сен уларга шундай жавоб бер: «Эгамиз айтмоқда: ота–боболарингиз Мени тарк этдилар. Қонунларимга риоя қилмасдан, Мендан юз ўгирдилар. Бошқа худоларга эргашдилар, уларга хизмат қилиб, сажда этдилар. 12 Сизларнинг гуноҳларингиз эса ота–боболарингизникидан ҳам ошиб тушди. Мана, ҳар бирингиз ёвуз юрагингизнинг ўжарликларига итоат қиляпсиз, Менга қулоқ солмаяпсиз.
13 Шунинг учун Мен сизларни бу ердан бошқа бир юртга улоқтириб юбораман. У юртни ўзингиз ҳам, ота–боболарингиз ҳам билмайдилар. У ерда сизлар кечаю кундуз бошқа худоларга хизмат қиласизлар. Энди Мен сизларга раҳм қилмайман.»”

Халқ сургундан қайтади

14 Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, одамлар онт ичганда: «Исроил халқини Мисрдан олиб чиққан Эгамиз шоҳид», деб айтмайдиган бўлади. 15 Бунинг ўрнига улар: «Исроил халқини шимолдаги юртдан* ва Ўзи сургун қилган барча бошқа юртлардан олиб чиққан Эгамиз шоҳид», деб онт ичадиган бўлишади. Мен халқимни Ўзим ота–боболарига берган юртга қайтариб олиб келаман.”

Яқинлашиб келаётган жазо

16 Эгамиз шундай демоқда: “Мана, Мен талай душманни юборяпман. Улар халқимни балиқчилар каби, тутиб оладилар. Ўша душманлар кетидан бошқаларини жўнатаман, улар овчилар каби, халқимни ҳар бир тоғда, ҳар бир тепаликда, қояларнинг жарликларида овлайдилар. 17 Мен халқимнинг тутган ҳамма йўлларини кўриб турибман. Уларнинг ёвуз йўллари Мендан яширин эмас. Ҳамма гуноҳлари кўз ўнгимда. 18 Қилган гуноҳлари ва қилмишлари учун халқимга икки баробар қилиб қайтараман. Зотан, улар жонсиз, жирканч худолари билан юртимни ҳаром қилдилар, Менинг мулкимни макруҳ бутларга тўлдирдилар.”

Еремиёнинг ибодати

19 Эй Эгам, менинг қудратим, қўрғонимсан,
Кулфат кунида паноҳимсан.
Дунёнинг тўрт бурчагидан халқлар
Сенинг олдингга келиб, айтади:
“Аждодларимизнинг сохта бутларидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ эди,
Бу бетайин бутларидан фойда бўлмаган эди.
20 Инсон ўзи учун худоларни ясай оладими?!
Бундай худолар ҳақиқий Худо эмас–ку!”

21 Эгамиз шундай дейди:
“Шундай экан, уларга сабоқ берай,
Куч–қудратимни уларга кўрсатиб қўяй.
Шунда Эгангиз Мен эканлигимни билиб олишади.”

17–БОБ

Яҳудо халқининг гуноҳи ва жазоси

1 Эгамиз шундай дейди: “Эй Яҳудо халқи, сизларнинг гуноҳингиз темир қалам

билан ўйиб ёзилган. Сизларнинг гуноҳингиз тош юракларингиз устига ва
қурбонгоҳларингиз шохларига олмос учи билан ўйиб битилган*. 2 Ҳатто
фарзандларингиз ҳам баланд қирлардаги ва серсоя дарахтлар остидаги
қурбонгоҳларга бориб, Ашеранинг* устунларига сажда қилишади. 3 Бутун юртда
қилган гуноҳларингиз эвазига Мен Ўз тоғимни*, сизнинг ҳамма
бойликларингизни, хазиналарингизни ва барча саждагоҳларингизни* душманга
ўлжа қилиб бераман. 4 Сизларга Мен мулк қилиб берган юртдан ўз айбингиз
туфайли айриласизлар. Мен сизларни ўзингиз билмаган бир юртга жўнатаман,
душманларингизга ҳаммангизни қул қилиб бераман. Сизлар Мени
ғазаблантирдингиз, ғазабим сўнмас олов каби ёнмоқда.”

Ҳикматли сўзлар

5 Эгамиз шундай демоқда:
“Умидини инсонга боғлаган,
Фоний банданинг кучига ишонган,
Юраги Мендан узоқлашган одам лаънатидир.
6 Бундай одам саҳродаги бутадай бўлади,
Фаровон ҳаёт кўрмайди.
Чўлнинг қақроқ жойларида,
Шўр босган бўм–бўш ерларда яшайди.

7 Эгасидан умид қилган киши бахтлидир,
Ёлғиз Худога инонган зот саодатлидир!
8 Бундай киши сув бўйига ўтқазилган дарахтга ўхшайди,
Оқар сувлар томон илдиз отади.
Куннинг жазирамасидан қўрқмайди,
Барглари доим ям–яшил бўлади.
Қурғоқчилик келганда ҳам безовта бўлмайди,
Мева беришдан тўхтамайди.

9 Одамнинг юраги шунчалик айёрки,
Унинг давоси йўқ!
Унинг ичидагини ким билади?!
10 Аммо Мен, Эгангиз, одамнинг юрагини биламан,
Унинг ўй–фикрларини текшираман.
Қилмишига яраша жазолайман,
Қилган ишига яраша тақдирлайман.”

11 Ноҳақлик билан бойлик орттирган киши,
Ўзи қўймаган тухумларни босиб ётган какликка ўхшайди.
Бундай киши умрининг ярмида
Бойликларидан маҳрум бўлади,
Ҳаёти охирлаб қолганда аҳмоқ эканини билади.

12 Муқаддас маконимиз
Азалдан юксалтирилган улуғвор тахтдир!
13 Эй Эгамиз, Сен Исроилнинг ёлғиз умидисан!
Сени тарк этганларнинг ҳаммаси шарманда бўлар,
Сендан юз ўгирганларнинг исмлари тупроққа ёзилар.
Эй Эгамиз, улар Сени тарк этдилар.
Ҳа, ҳаётбахш сув булоғидан воз кечдилар.

Еремиё Эгамиздан мадад сўрайди

14 Эй Эгам, менга шифо бер, соғайиб кетай.
Мени қутқаргин, нажот топай.
Ахир, ёлғиз Сени олқишлайман.
15 Қара, бу одамлар устимдан кулишяпти,
“Эгамизнинг таҳдидли сўзлари қани?!
Айтганлари бажо бўлсин–чи энди!” деб айтишяпти.
16 Мен эса халқингга чўпон бўлдим,
Хизмат қилишдан бош тортмадим.
Офат куни келишини хоҳламаганимни биласан.
Оғзимдан чиққан ҳар бир сўз Сенга аёндир.
17 Мени ваҳимага солмагин,
Кулфат кунида паноҳим Сенсан.
18 Мени қувғин қилганлар шарманда бўлсин,
Мени эса шарманда қилма.
Душманларим саросимага тушсин,
Мени эса довдиратиб қўйма.
Уларнинг бошларига кулфат келтир,
Жазосини икки баробар оғирроқ қилгин.

Шаббат кунига риоя қилиш ҳақида

19 Эгамиз менга шундай деди: “Яҳудо шоҳлари кириб чиқадиган Халқ дарвозаси олдига бориб тур, сўнг Қуддуснинг бошқа дарвозалари олдига ҳам бор. 20 Борганингда халққа шундай деб айт: «Эй Яҳудо шоҳлари, эй Яҳудо халқи, бу дарвозадан ўтиб юрган бутун Қуддус аҳолиси, Эгамизнинг сўзини эшитинглар! 21 Эгамиз шундай деб айтмоқда: Шаббат куни юк ташиманглар, Қуддус дарвозаларидан юкни кўтариб кирманглар. Ҳушёр бўлинглар, тағин ҳаётингизга ўзингиз зомин бўлиб қолманглар. 22 Шаббат куни уйингиздан бирон юкни кўтариб чиқманглар, ҳеч қандай иш қилманглар. Мен ота–боболарингизга амр қилганимдек, Шаббат кунини муқаддас деб билинглар. 23 Ота–боболарингиз гапларимга эътибор бермаган, Менга қулоқ солмаган эдилар. Улар қайсарлик қилиб, сўзларимни тингламагандилар, гапимга кирмагандилар. 24 Борди–ю, сизлар гапларимга қулоқ солсангизлар, Шаббат куни шаҳар дарвозаларидан юк ташимасангизлар, ўша муборак кунни муқаддас деб билиб, ҳеч қандай иш қилмасангизлар, 25 Қуддус тахтида доим Довуд наслидан бўлган шоҳ ўтиради. Жанг араваларию отларни миниб олган шоҳлар ва аъёнлар шаҳар дарвозаларидан киришади. Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолиси улар билан бирга кирадилар. Қуддусдан то абад одам аримайди. 26 Шунда Яҳудо шаҳарларидан, Қуддус атрофидаги қишлоқлардан, Бенямин ҳудудидан, қирлардан, ғарбдаги қир этакларидан, Нагав чўлидан одамлар келади. Улар Эгасининг уйига куйдириладиган ва бошқа қурбонликларни, шукрона ва дон назрларини, хушбўй тутатқиларни олиб келадилар. 27 Борди–ю, сизлар гапимга қулоқ солмасангизлар, Шаббат кунини муқаддас деб билмай, юк ташиб, дарвозалардан кириб чиқсангизлар, Мен шаҳар дарвозаларини ёндириб юбораман. Олов Қуддус саройларини йўқ қилади, бу оловни ҳеч ким ўчира олмайди.»”

18–БОБ

Еремиё кулолнинг уйида

1 Эгамиз Еремиёга шу сўзини аён қилди: 2 “Қани бўл, кулолнинг уйига бор. Ўша

ерда сенга бир гап айтаман.” 3 Мен кулолнинг уйига бордим. Кулол чарх уриб,
ишлаётган эди. 4 У лойдан ясаётган идиш бузилди, шундан кейин у ўзи хоҳлаган
шаклдаги бошқа бир идишни ясади.
5 Эгамиз Ўз сўзини менга аён қилиб деди: 6 “Эй Исроил халқи, наҳотки бу кулол
қилган ишни Мен сизларга қила олмасам?! Сизлар Менинг қўлимда кулол
қўлидаги лойга ўхшайсизлар. 7 Мен бирон халқни ёки шоҳликни қўпориб
ташлашимни, йўқ қилиб вайрон қилишимни эълон этишим мумкин. 8 Аммо ўша
халқ ёвуз қилмишларидан қайтса, Мен ҳам уларнинг бошларига фалокат
келтириш ниятимдан қайтаман. 9 Шундай пайтлар ҳам бўладики, Мен бирон халқ
ёки шоҳликка: «Сизларни қайта бунёд этиб, мустаҳкам қиламан», деб айтаман.
10 Аммо ўша халқ Менинг олдимда қабиҳлик қилса ёки айтганларимга қулоқ
солмаса, Мен ниятимдан қайтаман, уларга қилмоқчи бўлган яхшилигимни
қилмайман.
11 Шундай экан, Яҳудо халқи билан Қуддус аҳолисига айт: «Эгамиз шундай
демоқда: мана, Мен бошингизга соладиган кулфатни тайёрлаяпман, сизларга
қарши режалар тузяпман. Бўлди энди, ҳар бирингиз ёмон йўлингиздан
қайтинглар. Турмуш тарзингизни ўзгартиринглар. Эски қилмишларингиздан воз
кечинглар.»
12 Аммо улар: «Гапирганинг бефойда!» дейишади. «Биз барибир
хоҳлаганимиздай яшаймиз, ёвуз юракларимизнинг ўжарликларига итоат
қилаверамиз», деб айтишади.”

Халқ Эгамизни рад этади

13 Шунинг учун Эгамиз демоқда:
“Халқлардан сўраб–суриштиринг–чи,
Бунақасини ҳеч эшитганмикан?!
Бокира қиз Исроил жирканч бир иш қилди.
14 Лубнондаги қорлар ҳеч эриганми?!
Азим чўққиларни ҳеч тарк этганми?!
Унинг муздек сувлари ҳеч адо бўлганми?!
15 Менинг халқим эса Мени тарк этди,
Улар беҳуда бутларга тутатқи тутатдилар.
Бутлари туфайли халқим қоқилди,
Азалий йўлидан адашди.
Тўғри йўлни тарк этиб, сўқмоқлардан юриб кетди.
16 Шу сабабдан юрти ҳувиллаб қолади,
Юртнинг аҳволидан одамлар қотиб қолади,
Ўтган–кетганлар даҳшатга тушади,
«Ё тавба» деб, ёқасини ушлашади.
17 Шарқдан эсган шамол каби,
Мен уларни душманлари олдида сочиб ташлайман.
Бошларига кулфат тушган куни
Уларга орқа ўгираман,
Уларга назар солмайман.”

Еремиёга қарши фитна

18 Сўнг одамлар шундай дедилар: “Қани, Еремиёга қарши фитна уюштирайлик.
Ахир, қонунни ўргатадиган руҳонийлар, маслаҳат берадиган донишмандлар ва
Худонинг сўзини айтадиган пайғамбарлар ҳар доим бор. Еремиёга туҳмат
қилайлик, унинг гапларига умуман эътибор бермайдиган бўлайлик.”

19 Эй Эгам, мени тингла,
Рақибларим гапларини эшит!
20 Наҳотки яхшиликка ёмонлик қайтаришса?!
Эсингдами, ҳузурингда туриб,
Улар учун Сенга ёлворгандим,
Улардан Сенинг қаҳрингни қайтаргандим.
Улар эса менга чуқур қазидилар.
21 Шундай экан, болаларини очликдан ўлдир,
Ҳаммасини қилич измига топшир.
Хотинлари болаларидан жудо бўлсин,
Ҳаммаси бева бўлиб қолсин.
Эркаклари ўлатдан қирилиб кетсин,
Йигитлари жангда ҳалок бўлсин.
22 Тўсатдан устига босқинчи юборганингда,
Уйларидан дод–фарёдлар кўтарилсин!
Ахир, улар мени тутиб олмоқчи бўлиб, чуқур қазидилар,
Оёғимни сиртмоққа илинтирмоқчи бўлдилар.
23 Мени ўлдириш учун фитна қилдилар,
Буни Сен биласан, эй Эгам.
Уларнинг гуноҳларини кечирма,
Жиноятларидан ўтма.
Ғазабланиб, жазоларини бергин,
Улар Сенинг олдингда йиқилиб қолсинлар.

19–БОБ

Синган кўза

1 Эгамиз менга шундай деди: “Бориб кулолдан бир сопол кўза сотиб ол. Сўнг
ёнингга халқ оқсоқолларидан ва бош руҳонийлардан олиб, 2 Синган кўзалар
дарвозаси яқинидаги Хиннум сойлигига* туш. Мен сенга айтадиган сўзларни
оқсоқолларга сен ўша ерда айтасан. 3 Сен уларга шундай деб айт: «Эй Яҳудо
шоҳлари, Қуддус аҳолиси, Эгамизнинг сўзларини эшитинглар. Исроил халқининг
Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: Мен бу жойга шундай фалокат
ёғдираманки, бу фалокатни эшитганларнинг бошидан ҳуши учади. 4 Зотан,
халқим Мени тарк этди, бу ерни ҳаром қилди. Улар ўзлари билмаган,
ота–боболари ҳам, Яҳудо шоҳлари ҳам билмаган бегона худоларга қурбонликлар
куйдирдилар. Бу ерни бегуноҳ одамларнинг қонига тўлдирдилар. 5 Баалга атаб
саждагоҳлар* қурдилар. У ерда ўз ўғил–қизларини Баалга қурбонлик қилиб
куйдирдилар. Мен уларга буни амр қилмаганман, бунақасини хаёлимга ҳам
келтирмаганман. 6 Қараб турингланг! — деб айтмоқда Эгамиз. — Шундай кунлар
келадики, одамлар бу жойни Тофат ёки Хиннум сойлиги деб атамайди, балки бу
жой ‘Қирғин водийси’ деб аталадиган бўлади. 7 Мана шу жойда Мен Яҳудо ва
Қуддуснинг режаларини барбод қиламан*. Халқимни душманларга мағлуб қилиб
бераман, уларда қасди борларнинг қўлига топшираман. Жасадларини қушларга,
ёввойи ҳайвонларга ем қиламан. 8 Мен бу шаҳарни шундай вайрон қиламанки,
унинг олдидан ўтган–кетган ҳар бир киши шаҳарнинг аянчли аҳволидан
даҳшатга тушиб, қотиб қолади. 9 Душманлар шаҳарни қамал қилиб, одамларни
қириб ташламоқчи бўладилар. Қамал пайтида азобда қолган халқ
ўғил–қизларининг ва бир–бирининг этини ейдиган бўлади.»

10 Эй Еремиё, ўзинг билан келганларнинг олдида кўзани синдир. 11 Уларга
шундай деб айт: «Саррвари Олам шундай демоқда: мана бу кўза чилпарчин бўлиб,
тузатиб бўлмайдиган аҳволга тушгани каби, Мен бу халқни ва бу шаҳарни
чилпарчин қиламан. Ўликлар Тофатда дафн қилинади, ўликлар кўплигидан
қабрларга жой етмай қолади. 12 Мен бу шаҳарни ва унинг аҳолисини шундай
аҳволга соламанки, бу шаҳар Тофатга ўхшаган бўлиб қолади, — деб айтмоқда
Эгамиз. — 13 Қуддусдаги хонадонлар ва Яҳудо шоҳларининг саройлари, Тофат
каби, ҳаром бўлади. Чунки у ерлардаги ҳамма уйларнинг томларида самовий
жисмларга атаб қурбонликлар куйдирилган, бегона худоларга шароб назрлари
келтирилган.»”

14 Еремиё Эгамизнинг амри билан Тофатда башорат қилди, сўнг у ердан
қайтиб келгач, Эгамизнинг уйи ҳовлисида туриб халққа деди: 15 “Исроил
халқининг Худоси — Саррвари Олам шундай демоқда: энди Мен айтган сўзимга
биноан бу шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқларга фалокат келтираман, чунки
сизлар ўжарлик қилиб, сўзларимни эшитишни хоҳламадингизлар.”

20–БОБ

Еремиё руҳоний Пашхур билан баҳслашади

1 Иммар ўғли Пашхур руҳоний бўлиб, Эгамиз уйининг бош назоратчиси эди. У
Еремиёнинг башорат қилиб айтган бу сўзларини эшитди. 2 Шу сабабдан Еремиёни
калтаклатиб, Эгамиз уйининг ҳовлисидаги Юқори Бенямин дарвозаси* томонда
кишанлаб қўйишни буюрди. 3 Эртаси куни эрталаб Пашхур Еремиёнинг
кишанларини ечганда, Еремиё унга шундай деди: “Эгамиз сенга «Пашхур» эмас,
«Даҳшат қамраган»* деб исм қўйган. 4 Зеро, Эгамиз шундай деб айтмоқда: Мен
сени ва ҳамма дўстларингни ваҳимага соламан. Дўстларинг душманлари қўлида
ҳалок бўлаётганини ўз кўзинг билан кўрасан. Мен бутун Яҳудо халқини Бобил
шоҳининг қўлига топшираман. Бобил шоҳи халқимни асир қилиб, ўзининг
юртига олиб кетади. Уларни қиличдан ўтказади. 5 Мен бу шаҳарнинг
бойликларини, бор нарсасини, қимматбаҳо буюмларини, Яҳудо шоҳларининг
хазиналарини душманнинг қўлига бераман. Улар шаҳарни талон–тарож
қилишади. Барча бойликларини Бобилга олиб кетишади. 6 Сен ҳам, эй Пашхур, ўз
хонадонинг билан Бобилга сургун бўласан. Сен у ерда жон бериб, дафн қилинасан.
Ёлғон башоратларингга қулоқ солган дўстларинг ҳам ўша кўйга тушади.”

Еремиё Эгамизга шикоят қилади

7 Эй Эгам, Сен мени кўндирдинг,
Мен ҳам кўндим.
Мендан устун келдинг, мени енгдинг.
Мен ҳаммага мазах бўлдим,
Ҳамма устимдан кулмоқда.
8 Гапирганимда жар солишим керак,
“Зўравонлик! Ҳалокат!” дея бақиришим керак.
Сенинг сўзинг туфайли ҳаммага кулги бўлдим,
Кун бўйи мени масхара қилишяпти.
9 Борди–ю, мен: “Бўлди, Эгам ҳақида сўзламайман,
Унинг номидан гапирмайман” десам,
Сенинг сўзинг, олов каби, ичимни ёндиради,
Ўт қўйгандай суякларимни зирқиратади.
Сўзингни ичимда сақлаб туришдан чарчадим,

Ҳа, уни бошқа ушлаб тура олмайман.
10 Эшитяпман, кўпчилик ғийбат қиляпти.
Атрофимни даҳшат қамраган!
“Фош бўлсин! Уни фош қилайлик!” деб айтяптилар.
Ҳатто менинг яқин дўстларим ҳам
Қоқинишимни пойлаб турибдилар,
“Еремиё тузоққа тушади,
Шунда уни енгамиз,
Ундан қасдимизни оламиз”, деяптилар.
11 Аммо Сен, эй Эгам, мен билан биргасан,
Сен баҳодир жангчига ўхшайсан.
Мени қувғин қилганлар қоқилиб тушади,
Улар мендан устун келолмайди.
Иснодга қолади, муваффақиятга эришолмайди.
Улар то абад доғда қолади,
Шармандагарчилиги ҳеч қачон унутилмайди.
12 Эй Сарвари Олам, Сен солиҳ кишини синайсан,
Одамнинг дилини, ўй–хаёлини биласан.
Душманларимдан ўч олганингни кўрайин,
Ахир, даъвоимни Сенга топширдим!

13 Эгамизга қўшиқ куйланглар!
Эгамизга ҳамду санолар айтинглар!
Зеро, У бечора бандaнинг жонини
Бадкирдорлар қўлидан қутқарди.

14 Эвоҳ, мен туғилган кун қуриб кетсин!
Онам мени туққан кун хосиятсиз бўлсин!
15 Отамга хабар олиб келган одам лаънати бўлсин,
“Ўғил кўрдинг!” дея уни хурсанд қилган киши қуриб кетсин.
16 Эгамиз шафқатсизларча вайрон қилган
Шаҳарлардай* бўлсин ўша одам.
У эрталабданоқ доду фарёдлар эшитсин,
Кундуз куни уруш наъраларини эшитсин.
17 Ахир, у мени онамнинг қорнидаёқ ўлдирмади.
Шунда онамнинг қорни қабрим бўлган бўларди,
Онам то абад ҳомиладор бўлиб қолган бўларди.
18 Нимага ҳам туғилдим экан–а?!
Машаққату қийинчилик кўриш учунми?!
Умримни шармандаликда хазон қилиш учунми?!

21–БОБ

Қуддуснинг мағлубияти ҳақида башорат

1 Шоҳ Зидқиё* Еремиё пайғамбарнинг олдига Малкиё ўғли Пешхур ва Масиё ўғли руҳоний Зафаниёни юборди. Шунда Эгамиз Ўз сўзини Еремиёга аён қилди. Пешхур билан Зафаниё Еремиёга шундай дедилар: 2 “Ўтинамиз, биз учун Эгамизга ёлвор, чунки Бобил шоҳи Навухадназар* бизга ҳужум қиляпти. Балки Эгамиз аввалгидек мўъжизалар кўрсатиб, Навухадназарни орқага чекинтирар.”
3 Еремиё уларга шундай жавоб берди: 4 “Бориб, Зидқиёга Исроил халқининг

Худоси — Эгамизнинг шу сўзларини айтинглар: «Сизлар қўлингизга қурол олиб, сизларни қамал қилган Бобил шоҳига ва Бобилликларга* қарши жанг қиляпсизлар. Аммо қўлингиздаги қуролларингизни Мен Бобилликларга эмас, балки ўзларингизга қарши ишлатаман. Мана шу шаҳар — Қуддус марказида қуролларингизни уйиб ташлайман. 5 Мен Ўзим сизларга қарши чиқаман. Ўз қудрату ажойиботларим билан, қаҳру ғазабим билан сизларга қарши жанг қиламан. 6 Бу шаҳар аҳолисини йўқ қиламан. Одамлару ҳайвонлар ўлатдан нобуд бўладилар. 7 Шундан кейин Мен Яҳудо шоҳи Зидқиёни, унинг аъёнларини, шаҳарда урушдан, қаҳатчиликдан ва ўлатдан омон қолган ҳамма одамларни Бобил шоҳи Навухадназарнинг қўлига бераман, — деб айтмоқда Эгамиз. — Уларда қасди борларга топшираман, душман қўлига бераман. Душманлар шаҳар аҳолисини шафқатсизларча қириб ташлайдилар. Бironта одамни ҳам аямайдилар, уларга ачинмайдилар, раҳм қилмайдилар.»

8 Сизлар бу халққа бориб айтинглар: «Эгамиз демоқда: Мен сизларга икки йўлни — ҳаёт ва ўлим йўлини бердим. 9 Шаҳарда қолганлар қилич, қаҳатчилик ва ўлатдан нобуд бўладилар. Шаҳардан чиқиб, Бобилликларга таслим бўлганлар эса тирик қоладилар. Бу одамлар ҳеч бўлмаса ўз жонларини сақлаб қоладилар. 10 Мен бу шаҳарга яхшилик эмас, кулфат келтиришга қарор қилдим, — деб айтмоқда Эгамиз. — Бу шаҳарни Бобил шоҳига таслим қилиб бераман. Навухадназар шаҳарга ўт қўяди.»

Яҳудо шоҳининг хонадони жазоланади

11 Яҳудо шоҳининг хонадонига ҳам бориб шундай айтинглар: «Эгамизнинг сўзини эшит, 12 эй Довуд сулоласи! Эгамиз шундай демоқда:

Ҳар куни эрталабдан адолат қилинглар,
Жабрдийдаларни зўравонлар қўлидан қутқаринглар.
Акс ҳолда, қилган ёвузликларингиз туфайли
Менинг ғазабим аланга олади,
Бу ғазабимни сўндиришга ҳеч кимнинг қурби етмайди.

13 Эй водийдаги қоя устида қурилган Қуддус,
Мен сенга қаршиман!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Сизлар айтасиз: ‘Ким ҳам бизга қарши чиқа оларди?!
Ким ҳам қўрғонларимизга кира оларди?!’
14 Мен қилмишингизга яраша жазоингизни бераман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Шоҳнинг саройига* ўт қўяман,
Олов атрофдаги ҳамма нарсани ёндиради.»”

22–БОБ

Яҳудо шоҳининг хонадони ҳақида башорат

1 Эгамиз менга шундай деди: “Яҳудо шоҳи саройига бориб, у ерда ушбу сўзларни жар солиб айт: 2 «Эй Довуд тахтида ўтирган Яҳудо шоҳи, эшит. Аъёнларинг ва мана бу саройга кирган одамларинг ҳам сен билан бирга Эгамизнинг сўзини эшитсин.» 3 Кейин уларга айт, Эгамиз шундай демоқда: «Адолат ва тўғрилик билан иш тутинг. Жабрдийдаларни зўравонларнинг қўлидан қутқаринг. Мусофирларга, етим ва беваларга ноҳақлик қилманг, уларни

эзманг. Бу ерда бегуноҳ одамнинг қонини тўкманг. 4 Борди–ю, сизлар ҳақиқатан
ҳам буларга риоя қилсангизлар, Қуддус тахтида доим Довуд наслидан бўлган шоҳ
ўтиради. Жанг араваларию отлар минган шоҳлар сарой дарвозаларидан
киришади. Аъёнлар ва халқ ҳам улар билан бирга киради. 5 Борди–ю, бу
амрларимга риоя қилмасангизлар, Мен Ўз номим ҳақи онт ичиб* айтаманки, бу
сарой вайрон бўлади.» Эгамизнинг каломи шудир. 6 Ахир, Эгамиз Яҳудо шоҳининг
саройи ҳақида шундай демоқда:

«Сен Мен учун гўзал Гилад ўлкасига* ўхшайсан,
Бамисоли Лубноннинг юксак чўққиларисан.
Лекин қасам ичиб айтаманки, сен саҳрога ўхшаб қоласан,
Ҳувиллаган бир шаҳарга айланиб қоласан.
7 Сенга қарши босқинчиларни жўнатаман,
Қуролланган одамларни юбораман.
Улар сара садрларингни кесадилар,
Ёғочларингни оловга ташлайдилар.»

8 Кўплаб халқлар бу шаҳар олдидан ўтаётиб, бир–бирларидан: «Нега Эгамиз
бундай буюк шаҳарни шу кўйга солган экан–а?» деб сўрайдилар. 9 Уларга шундай
жавоб беришади: «Шаҳар аҳолиси ўзларининг Эгаси Худо билан тузган аҳдини
бузди. Бошқа худоларга сажда қилиб, хизмат қиладиган бўлди.»”

Еремиё шоҳ Ёҳухоз ҳақида башорат қилади

10 Ўлган шоҳингиз* учун йиғламанг,
У учун аза тутманг.
Ундан кўра, сургун бўлган шаҳзодангиз* учун қайғуринг,
У учун аччиқ–аччиқ кўз ёш тўкинг.
Ахир, у энди қайтиб келмайди,
Она юртини бошқа кўрмайди.

11 Шоҳ Йўшиёдан кейин Яҳудо тахтига Йўшиёнинг ўғли Ёҳухоз* ўтирган эди.
Шоҳ Ёҳухоз сургун қилингандан кейин, Эгамиз у ҳақда шундай деди: “У бу ерга
ҳеч қачон қайтиб келмайди. 12 Сургун қилинган ерда оламдан ўтади, бу юртни
бошқа кўрмайди.”

Еремиё Ёҳайиқим ҳақида башорат қилади

13 Эгамиз шундай дейди:
“Уйини ноҳақлик билан қурганнинг* ҳолига вой!
Юқори хоналарини адолатсизлик билан бино қилганнинг ҳолига вой!
Бундай одам биродарини текинга ишлатади,
Унинг меҳнат ҳақини бермайди.
14 У шундай дейди:
«Мана, ўзим учун катта сарой қурдим,
Юқори қаватдаги хоналарни кенг қилдирдим.»
У уйига катта ойналар қўйдирмоқда,
Деворларини садр ёғочи билан қопламоқда,
Уларни қирмизи рангга бўямоқда.

15 Сен ўзинг учун кўп садр ёғочини йиғдинг,
Бу билан сен яхши шоҳ бўлиб қолмадинг!
Сенинг отанг ҳам хоҳлаганича еб–ичган,

Аммо доим ҳақиқату адолатни ўрнатган.
Шу сабабдан унинг иши юришган.
16 У фақиру бечорани ҳимоя қилган,
Шунинг учун фаровон ҳаёт кечирган.
Худони билиш дегани шу эмасми?!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
17 Сен эса фақат ноҳақ фойдани кўзлайсан.
Бегуноҳ одамнинг қонини тўкасан,
Зўравонлик ва зулм ўтказасан.”

18 Шу сабабдан Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Ёҳайиқим ҳақида Эгамиз шундай демоқда:

“Унга ҳеч ким аза тутмайди,
«Вой, жигарим! Вой, жигарим!» деб йиғламайди.
«Хўжайиним! Олампаноҳим!» деб ҳеч ким қайғурмайди.
19 Уни ўлган эшакнинг аҳволига соладилар,
Қуддус дарвозаларидан судраб чиқиб, отиб юборадилар.”

Қуддуснинг қисмати

20 Эгамиз шундай дейди:
“Эй Қуддус, Лубнонга чиқиб фарёд қилгин,
Башан ўлкасига бориб, хитоб этгин.
Аборим тоғларида* туриб, овозинг борича бақиргин,
Чунки ҳамма ўйнашларинг* йўқ бўлди.
21 Фароғатда яшаганингда, сенга гапирдим,
Сен эса «Гапингга қулоқ солмайман!» деб айтдинг.
Ҳа, ёшлигингдан шу йўлни тутгансан,
Гапимга сен кирмагансан.
22 Шамол ҳамма чўпонларингни супуриб кетади,
Ўйнашларинг сургун бўлади.
Сен эса қабиҳ ишларинг туфайли уятда қоласан,
Шармандаи шармисор бўласан.
23 Сен «Лубнон» саройида* яшаб юрибсан,
Садр дарахтлари орасида ин қургансан,
Аммо туғаётган аёл каби дард чекасан,
Азобдан инграйсан.”

Шоҳ Ёҳайихинни Худо ҳукм қилади

24 Ёҳайиқим ўғли Ёҳайихин* ҳақида Эгамиз шундай демоқда: “Эй Яҳудо шоҳи Ёҳайихин! Борди–ю, сен Менинг ўнг қўлимдаги муҳр узугим бўлганингда эди, Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, сени улоқтириб ташлаган бўлар эдим. 25 Сен кимдан қўрқсанг, сени ўшанинг қўлига бераман, сенда қасди борларнинг қўлига топшираман. Сени шоҳ Навухадназарнинг* ва Бобилликларнинг* қўлига бераман. 26 Сени ва сени туққан онангни* бегона бир юртга, киндик қонинг тўкилмаган бир ерга улоқтириб юбораман. Сизлар ўша ерда ўласизлар. 27 Сизлар бу юртга қайтиб келишни орзу қиласизлар, аммо қайтиб келмайсизлар.”

28 Ёҳайихин ташлаб юбориладиган синиқ хумдай бўлиб қолади,
Ҳеч кимга керак бўлмайдиган сопол идишга ўхшаб қолади.

У болалари билан сургун бўлади!
Ўзи билмаган юртга улоқтириб ташланади!
29 Эй юрт, юрт, юрт!
Эгамизнинг сўзини эшит!
30 Эгамиз шундай демоқда:
“Бу одамнинг фарзандларини насабномага киритманг,
Уни ҳаётда омади йўқ, деб қайд қилиб қўйинг.
Унинг зурриётидан бирортаси муваффақият қозонмас,
Бирортаси Довуд тахтига чиқа олмас.
Яҳудода улар ҳеч қачон ҳукмронлик қилмайдилар.”

23–БОБ

Келажакка умид

1 Эгамиз шундай демоқда: “Чўпонлар яйловимдаги қўйларни тарқатиб
юборяптилар, уларни йўқ қиляптилар. Бундай чўпонларнинг ҳолига вой! 2 Эй
халқимни боққан чўпонлар, сизлар қўйларимни ўз ҳолига ташлаб қўйдингизлар.
Уларни тарқатиб, узоқларга қочириб юбордингизлар. Бу ёвуз қилмишларингиз
учун Мен сизларни ўз ҳолингизга қўймай жазолайман, — деб айтмоқда Исроил
халқининг Худоси — Эгамиз. — 3 Мен қўйларимни ҳар хил юртларга ҳайдаб
юборган эдим. Энди Ўзим уларни йиғиб оламан, ўзларининг яйловига олиб
келаман. Улар баракали бўлиб, кўпаядилар. 4 Мен улар устидан бошқа чўпонларни
тайинлайман. Чўпонлар қўйларимни боқадилар. Шунда қўйларим ҳеч нарсадан
қўрқмайди, саросимага тушмайди. Уларнинг бирортаси ҳам йўқолмайди.”
Эгамизнинг каломи шудир.
5 Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, Мен Довуд наслидан солиҳ бир
новдани етиштираман. Бу Шоҳ донолик билан ҳукмронлик қилади. Адолат ва
тўғрилик билан иш тутади. 6 Унинг ҳукмронлиги даврида Яҳудо халқи бехатар
яшайди, Исроил халқи осойишта ҳаёт кечиради. Ўша Шоҳни «Эгамиз —
нажоткоримиз» деб аташади.”
7 Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, одамлар онт ичганда: «Исроил
халқини Мисрдан олиб чиққан Эгамиз шоҳид», деб айтмайдиган бўлади. 8 Бунинг
ўрнига улар: «Исроил наслини шимолдаги юртдан* ва сургун қилинган бошқа
барча юртлардан олиб чиққан Эгамиз шоҳид», деб онт ичадиган бўлади. Улар ўз
юртларида яшашади.”

Еремиё сохта пайғамбарлар ҳақида башорат қилади

9 Пайғамбарлар ҳақида ўйлаб,
Юрак–бағрим эзилиб кетди,
Вужудим титраб кетмоқда.
Эгамиз туфайли,
Унинг айтган муқаддас сўзи туфайли
Мен маст одамга ўхшаб қолдим,
Шаробга бўккан кишидай бўлиб қолдим.
10 Эвоҳ, юрт зинокорларга тўлиб кетди,
Лаънат* туфайли ер қақраб қолди,
Даштдаги яйловлар қуриб ётибди.
Пайғамбарлар қабиҳлик қилишга шошилади,
Кучини ҳақсизлик йўлида ишлатишади.

11 Эгамиз шундай демоқда:
“Пайғамбару руҳонийлар бетавфиқдирлар,
Ҳатто Менинг уйимда ҳам қабиҳлик қилганларини кўрдим.
12 Шу сабабдан юрган йўллари сирпанчиқ бўлади,
Улар зулматга ғарқ бўлишади.
Ҳаммаси йиқилиб қолади.
Жазо оладиган йили
Бошларига кулфат келтираман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
13 Самария пайғамбарлари орасида
Жирканч бир ишни кўрдим:
Улар Баал номидан башорат қилишди,
Халқимни йўлдан оздиришди.
14 Аммо Қуддус пайғамбарлари орасида
Бундан ҳам баттарроғини кўрдим:
Улар зино қилиб, ёлғон ичида яшашади,
Ёвузларнинг ишини қўллаб туришади,
Шунинг учун ҳеч ким ёмон йўлидан қайтмаяпти.
Назаримда уларнинг ҳаммаси Садўм одамларидай бўлиб қолган,
Қуддус аҳолиси Ғамўра* аҳолисига ўхшаб қолган.”

15 Сарвари Олам пайғамбарлар ҳақида шундай демоқда:
“Мен уларга аччиқ ўтдан едираман,
Заҳарли сувдан* ичираман,
Зеро, Қуддус пайғамбарлари дастидан
Юртимда бетавфиқлар кўпайиб кетди.”

16 Сарвари Олам шундай демоқда: “Сизларга башорат қилаётган пайғамбарларнинг гапларига қулоқ солманглар. Улар қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдиряпти. Улар Менинг оғзимдан чиққан сўзларни эмас, ўз дил орзуларини айтишяпти. 17 Менинг сўзимдан нафратланган одамларга улар ҳадеб: «Ҳаммаси яхши бўлади», дейишади. Юрагидаги ўжарликларга итоат қилганларга: «Бошингизга бало–қазо келмайди», дейишади.”

18 Хўш, Эгамизнинг кенгашида* улардан қайси бири қатнашибди?!
Худонинг сўзини қайси бири эшитибди?!
Қайси бири эътибор билан Уни тинглабди?!
19 Ана, бўрон кўтарилди!
Бу Эгамизнинг ғазабидир.
Унинг ғазаби қуюн гирдоби бўлиб,
Фосиқларнинг бошига тушди.
20 Эгамиз кўнглидаги ниятини бажармагунча,
Уни охирига етказмагунча,
Ғазабидан тушмайди.
Кейинчалик буни англаб оласизлар.

21 Эгамиз шундай деди:
“Бу пайғамбарларни Мен юбормадим,
Улар ўзлари югуриб бордилар.
Уларга Мен гапирмадим,

Улар эса башорат қилдилар.
22 Агар ўша пайғамбарлар кенгашимда бўлганларида эди,
Сўзларимни халқимга етказган бўлардилар.
Халқимни ёмон йўлдан,
Ёвуз қилмишлардан қайтарган бўлардилар.”

23 Эгамиз шундай демоқда: “Мен ҳамма ёқдаман — яқинда ҳам, узоқда ҳам ўша Худоман. 24 Ким Мендан яширина олади?! Еру кўкни тўлдириб турган Мен эмасми?! — деб айтмоқда Эгамиз. — 25 Менинг номимдан ёлғон башорат қилган пайғамбарларнинг: «Мен бир туш кўрдим! Худо менга бир туш берди!» деганларини эшитдим. 26 Қачонгача бу давом этади?! Улар юракларидаги ҳийлаю найрангларини, ёлғон башоратларини бас қилишадими, йўқми?! 27 Уларнинг ота–боболари Мени унутиб, Баалга сажда қилган эдилар. Шу сингари, бу сохта пайғамбарлар «Халқ Эгамизни унутсин», дея бир–бирларига тушларини айтишади. 28 Майли, туш кўрган пайғамбар тушини айтсин, сўзимни эшитган эса уни садоқат билан эълон қилсин. Ахир, сомон билан буғдойнинг фарқи бор–ку! — деб айтмоқда Эгамиз. — 29 Менинг сўзим оловдай куйдиради. Қояни ёрадиган болғадай зарба беради.” Эгамизнинг каломи шудир.

30 Эгамиз шундай демоқда: “Бу пайғамбарлар «Эгамизнинг сўзи» деб бир–биридан гап ўғирлайди. Мен уларга қаршиман. 31 Ҳа, Мен ўша пайғамбарларга қаршиман, — деб айтмоқда Эгамиз. — Улар ўзларича валдираб юрадилар, яна «бу Эгамизнинг сўзлари», деб айтадилар. 32 Уйдирма тушларини айтган пайғамбарларга қаршиман! Улар ёлғонларию телбалиги билан халқимни йўлдан оздиришмоқда. Уларни Мен тайинламаганман, халқимнинг олдига Мен юбормаганман. Халқимга уларнинг заррача ҳам фойдаси йўқ.” Эгамизнинг каломи шудир.

Юк ҳақида

33 Эгамиз менга деди: “Эй Еремиё, агар халқимдан бўлган бирорта одам, пайғамбар ёки руҳоний сендан: «Бу сафар Эгамиз бизга нима юкламоқчи?*» деб сўраса, сен шундай деб жавоб бер: «Сизлар ўзларингиз Эгамизга юк бўлдингизлар*. Энди У сизларни улоқтириб ташлайди.» 34 Борди–ю, бирон одам, пайғамбар ёки руҳоний: «Эгамизнинг сўзи бизга юк бўлди», деб айтадиган бўлса, Мен ундай одамни бутун хонадони билан жазолайман. 35 Сизлар бир–бирингиздан: «Эгамиз нима деб жавоб берди?» ёки «Эгамиз нима деб айтди?» деб сўранглар. 36 Аммо: «Эгамиз бизга нима юкламоқчи?» деб бошқа сўраманглар. Зеро, одамлар бу иборани ишлатиб, ўз сўзларини ишонарли қилмоқчи бўладилар, барҳаёт Худо, Сарвари Олам — Худойингизнинг сўзларини бузиб айтадилар. 37 Сизлар эса пайғамбарнинг олдига борганингизда, ундан: «Эгамиз сизга нима деб жавоб берди?» ёки «Эгамиз сизга нима деди?» деб сўранглар. 38 Борди–ю, сизлар гапимга кирмай: «Эгамиз бизга нима юкламоқчи?» деб яна сўрасангизлар, 39 Мен сизларни юк кўтаргандай кўтариб*, Ўз ҳузуримдан улоқтириб ташлайман. Ота–боболарингизга Ўзим берган шаҳарни ҳам шу кўйга соламан. 40 Абадий иснод ва шармандаликка дучор қиламан. Бундай шармандаликни унутиб бўлмайди.”

24–БОБ

Икки сават анжир

1 Эгамиз менга Маъбад олдида турган икки сават анжирни кўрсатди. Бу воқеа

Бобил шоҳи Навухадназар* Қуддусдаги Яҳудо шоҳи Ёҳайихинни*, Яҳудо аъёнларини, ҳунармандлару темирчиларни Бобилга асир қилиб олиб кетгандан сўнг содир бўлди. Шоҳ Ёҳайихин Ёҳайиқимнинг ўғли эди. 2 Мен кўрган саватларнинг бирида яхши чиллаки анжирлар, бошқасида эса ёмон, еб бўлмайдиган анжирлар бор эди.

3 Эгамиз мендан:

— Еремиё, нимани кўряпсан? — деб сўради.

— Анжирларни, — деб жавоб бердим мен. — Яхши анжирлар ниҳоятда яхши экан, ёмонлари эса еб бўлмайдиган даражада ириб кетган экан.

4 Шунда Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 5 Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай демоқда: “Бобилликларнинг* юртига сургун бўлган Яҳудо асирлари ўша яхши анжирларга ўхшайди. Мен уларга илтифот кўрсатаман. 6 Назаримни солиб, яхшилик қиламан, уларни бу юртга қайтариб олиб келаман. Уларни йўқ қилмайман, балки қайта бунёд этаман. Қўпориб ташламайман, балки барқарор қиламан. 7 Қалбларига Мени билиш истагини соламан, улар Мени Эгамиз деб тан оладилар. Бутун қалблари билан Менга қайтадилар. Улар Менинг халқим бўлади, Мен эса уларнинг Худоси бўламан.”

8 Аммо Яҳудо шоҳи Зидқиё* тўғрисида, унинг аъёнлари, Қуддуснинг омон қолган аҳолиси ва Мисрга қочиб борганлари тўғрисида Эгамиз шундай демоқда: “Улар еб бўлмайдиган анжирларга ўхшайди. Ириган анжирларни нима қилишса, Мен ҳам уларни шундай қиламан. 9 Уларнинг бошига шундай кулфат соламанки, буни кўрган ер юзидаги барча халқлар даҳшатга тушади. Мен уларни тарқатиб юборган ҳамма жойда одамлар уларнинг устидан кулади, уларни мазах қилади, хор қилади, номини қарғишларда ишлатади. 10 Мен уларга ва ота–боболарига берган юртдан уларни қириб ташламагунимча бошларига уруш, очарчилик ва ўлат юбораман.”

25–БОБ

Шимолдан келган душман

1 Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йилида* Еремиёга Яҳудо халқи тўғрисида Эгамизнинг сўзи аён бўлди. Бобил тахтига худди ўша йили Навухадназар ўтирган эди. 2 Еремиё пайғамбар Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолисига шундай деди: 3 “Омон ўғли Йўшиё Яҳудода ҳукмронлик қилган даврнинг ўн учинчи йилидан* тортиб, то бугунга қадар Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилиб келмоқда. Мана, йигирма уч йилдирки, мен сизларга тўхтовсиз гапиряпман, аммо сизлар гапларимга қулоқ солмаяпсизлар. 4 Эгамиз олдингизга пайғамбар қулларини бирин–кетин юборган бўлса ҳам, сизлар уларнинг гапларини эшитмадингиз, уларга қулоқ солмадингиз. 5 Улар сизларга айтишган эди: «Қабиҳ ишларингизни бас қилинглар. Ёмон йўлдан қайтинглар. Шунда Эгамиз сизларга ва ота–боболарингизга абадий мулк қилиб берган юртда қоласизлар. 6 Бошқа худоларга эргашманглар. Уларга хизмат қилманглар, сажда этманглар. Ясаган бутларингиз билан Эгамизни ғазаблантирманглар. Шунда Эгамиз бошингизга фалокат келтирмайди.»

7 «Аммо сизлар гапимга қулоқ солмадингизлар, — деб айтмоқда Эгамиз. — Бутларингиз билан Мени ғазаблантириб, ўз бошингизга фалокат келтирдингизлар.» 8 Шу сабабдан Сарвари Олам демоқда: «Сизлар гапимга кирмаганингиз учун, 9 Мен шимолдаги барча қабилаларни йиғаман. Бобил шоҳи қулим Навухадназарни ҳам чақираман, — деб айтмоқда Эгамиз. — Уларни

сизларга қарши, бу юрт аҳолиси ва ён–атрофингиздаги халқларга қарши тортиб келаман. Мен сизларни тамомила қириб битираман. Сизларни кўрганлар даҳшатга тушади, аҳволингизни кўрган одамлар қотиб қолади. Мен юртингизни абадий харобазорга айлантираман. 10 Шундай қиламанки, орангизда шоду хуррамлик садолари бўлмайди, келин–куёвнинг овози эшитилмайди, тегирмоннинг товуши чиқмайди. Чироғингиз ёнмайди. 11 Бутун юрт вайрон бўлиб, харобазорга айланади. Бу халқлар етмиш йил мобайнида Бобил шоҳига хизмат қилишади.»

12 Эгамиз шундай демоқда: «Етмиш йилдан кейин эса Мен Бобил шоҳини, унинг халқини ва Бобилликларнинг* бутун юртини қилган гуноҳлари учун жазолайман. Уларнинг юрти то абад ҳувиллаб қолади. 13 Ўзим айтган ҳамма кулфатларни ўша юртга ёғдираман. Бу китобда ёзилган ҳамма фалокатларни келтираман. Еремиёнинг ҳамма халқларга қарши айтган башоратларини амалга ошираман. 14 Бобилликлар кўплаб халқлару буюк шоҳларга қул бўладилар. Қилган қилмишларига яраша жазоларини оладилар.»”

Худо халқларни ҳукм қилади

15 Исроил халқининг Худоси — Эгамиз менга шундай деди: “Қўлимдаги косани ол. Бу коса ғазабим шаробига тўла. Мен сени қайси халқлар олдига юборсам, бу косадаги шаробдан уларга ичир. 16 Улар шаробдан ичадилар, гандираклаб қолиб, ақлдан озадилар. Ахир, Мен уларга қарши қилич юбораман.”

17 Мен Эгамизнинг қўлидаги косани олдим. Эгамиз мени қайси халқлар олдига юборган бўлса, ўша халқларга шаробдан* ичирдим: 18 Қуддус, Яҳудо юртининг шаҳарлари ва у ердаги шоҳу аъёнлар хонавайрон бўлсин деб, мен уларга шаробдан ичирдим. Бугунгача уларнинг аҳволини кўриб одамлар ёқасини ушлайди, халқимнинг номини қарғишларга қўшиб ишлатишади.

19 Сўнг мен Мисрга йўл олдим. Фиръавн, унинг хизматкорлари, аъёнлари, бутун халқи 20 ва у ерда яшаётган мусофирларга шаробдан ичирдим. Сўнг Уз номли юртнинг шоҳларига, шунингдек, Ашқалон, Ғазо, Эхрон ва талафот кўрган Ашдодда* ҳукмронлик қилган ҳамма Филист шоҳларига шаробдан ичирдим. 21 Сўнг мен Эдом, Мўаб, Оммонга, 22 Тир, Сидон ва денгиз ортидаги юртларнинг шоҳларига шаробдан ичирдим. 23 Дедон, Темо, Буз* ва сочини олдириб юрадиган* бошқа ҳамма халқларга шаробдан ичирдим. 24 Ҳамма Арабистон шоҳларига, саҳрода яшайдиган ҳар хил кўчманчи қабилаларнинг ҳамма шоҳларига шаробдан ичирдим. 25 Зимри, Элам ва Мидия юртларининг ҳамма шоҳларига шаробдан ичирдим. 26 Шимолдаги узоқ–яқинда бўлган ҳамма шоҳларга шаробдан ичирдим. Ер юзидаги барча салтанатларга бирин–кетин бориб келдим. Охири косадаги шаробдан Бобил* тахтида ўтирган шоҳ ичадиган бўлди.

27 Эгамиз менга деди: “Уларга шундай деб айт: «Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам демоқда: ғазаб косамдан ичинглар! Маст бўлиб қусинглар! Турмайдиган бўлиб йиқилинглар, чунки Мен сизларнинг устингизга қилич юборяпман.» 28 Борди–ю, улар қўлингдаги косани олишдан ва шароб ичишдан воз кечсалар, сен уларга шундай деб айт: «Сарвари Олам сизларга демоқда: ичишингиз шарт! 29 Мана, Ўзимга тегишли Қуддус шаҳрига кулфат ёғдира бошладим. Сизлар жазодан қочиб қутулармидингиз?! Йўқ, жазодан қутула олмайсизлар! Мен ер юзидаги барча одамларни уруш балосига гирифтор этаман, — деб айтмоқда Сарвари Олам.»

30 Шунинг учун, эй Еремиё, сен бу сўзларнинг ҳаммасини уларга айт:

«Эгамиз юксакдан шердай ўкиради,

Муқаддас маконидан садо беради.
Юртига шиддат билан ўкиради.
Узум эзувчилар каби* бақиради,
Ер юзидаги ҳамма инсонларга ҳайқиради.
31 Гумбурлаши дунёнинг четигача эшитилади.
Зеро, Эгамиз халқларга даъво қилмоқда,
Дунёдаги одамзодни У ҳукм этмоқда,
Фосиқларни қиличдан ўтказмоқда.
Эгамизнинг каломи шудир.

32 Сарвари Олам шундай демоқда:
Қаранглар, фалокат келмоқда,
Халқдан халққа юқмоқда!
Дунёнинг тўрт бурчагидан
Кучли бўрон кўтарилмоқда!

33 Ўша куни бутун ер юзи, бу бошидан нариги четигача Эгамизнинг қудратидан нобуд бўлган одамларнинг жасадларига тўлади. Марҳумлар учун ҳеч ким марсия айтмайди, ҳеч ким уларни йиғиб кўммайди. Улар ер устида гўнгдай ётаверади.

34 Эй чўпонлар, уввос солиб йиғланглар!
Эй йўлбошчилар, кулга беланинглар!*
Бўғизланадиган кунингиз етиб келди,
Жасадларингиз ерда сочилиб ётади,
Чилпарчин бўлган қимматбаҳо кўзадай бўлади.
35 Чўпонлар ҳеч қаерга қоча олмайди,
Йўлбошчилар қутулолмайди.
36 Эшитинг! Йўлбошчилар фарёд қилмоқда,
Чўпонлар ҳўнграмоқда!
Эгамиз уларнинг яйловларини нобуд қиляпти.
37 Сўлим майсазорларини пайҳон этяпти.
Ахир, Эгамизнинг ғазаби аланга олди.
38 Ўлжа қидириб уясидан чиққан шердай,
Эгамиз Ўз маконидан чиқди.
Эгамизнинг алангали ғазаби туфайли,
Уруш балоси туфайли
Бутун юрт харобазорга айланади.»”

26–БОБ

Еремиёни ўлимга ҳукм қилмоқчи бўлишади

1 Йўшиё ўғли Ёҳайиқимнинг Яҳудодаги илк ҳукмронлиги даврида* Еремиёга Эгамиз Ўз сўзини аён қилди. 2 Эгамиз шундай деди: “Эй Еремиё, уйимнинг ҳовлисига бориб тур. Яҳудо шаҳарларидан уйимга сажда қилмоқчи бўлиб келган ҳамма одамларга гапир. Мен сенга амр қилган барча сўзларни, бирортасини ҳам қолдирмай уларга айт. 3 Балки, улар Мен айтган гапларга қулоқ солиб, ёвуз йўлларидан қайтишар. Шунда Мен ҳам шахтимдан қайтаман. Қилган қабиҳликлари туфайли бошларига келтирмоқчи бўлаётган фалокатни келтирмайман. 4 Сен уларга шундай деб айт: «Эгамиз демоқда: сизлар Менга

қулоқ солмадингизлар, берган қонунларимни бажармадингизлар.
5 Олдиларингизга қайта–қайта пайғамбар қулларимни жўнатдим, аммо сизлар
уларнинг гапига кирмадингизлар. Агар энди айтганларимни бажармасангизлар,
6 Мен бу уйни Шилўнинг* кўйига соламан. Бу шаҳарни эса ер юзидаги халқлар
орасида лаънати қиламан.»”
7 Руҳонийлар, пайғамбарлар ва бутун халқ Еремиёнинг Эгамиз уйида
айтаётган бу гапларини эшитишди. 8 Еремиё Эгамизнинг амр қилган ҳамма
сўзларини бутун халққа айтиб бўлгач, руҳонийлар, пайғамбарлар ва бутун халқ
унга ташланиб:
— Ўлдиринглар уни! — дея бақира бошлашди. — 9 Сен ҳали Эгамиз номидан
башорат қиладиган бўлиб қолдингми?! “Бу уй Шилўнинг кўйига тушади, бу шаҳар
эса вайрон бўлиб ҳувиллаб қолади”, деб айтишга қандай журъат этдинг?!
Эгамиз уйидаги бутун оломон Еремиёни ўраб олди.
10 Бундан хабар топган саройдаги Яҳудо аъёнлари Эгамизнинг уйига келдилар.
Қозилик қилиш учун Янги дарвозанинг кираверишидаги курсиларга ўтирдилар*.
11 Шунда руҳонийлар билан пайғамбарлар етиб келган аъёнларга ва халойиққа
мурожаат қилиб дедилар:
— Бу одам ўлимга лойиқ! У шаҳримизга қарши башорат қилди, буни ўз
қулоғингиз билан эшитдингиз.
12 Еремиё ўз навбатида шундай деди:
— Сизлар эшитган барча сўзларни гапиришим учун мени Эгам юборди. “Бу
уйга ва шаҳарга қарши башорат қил”, деди. 13 Агар сизлар ёмон йўлингиздан
қайтсангиз, турмуш тарзингизни ўзгартирсангиз, Эгангиз Худога итоат этсангиз,
Эгамиз ҳам шахтидан қайтади, сизларга эълон қилган фалокатни бошингизга
келтирмайди. 14 Мана, мен сизнинг ихтиёрингиздаман. Нимани тўғри деб
билсангиз, менга шуни қилинг. 15 Фақат билиб қўйинглар: агар мени
ўлдирсангизлар, сизлар ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам айбсиз одамнинг қонини тўккан
бўласизлар. Зотан, бу сўзларнинг ҳаммасини сизларга айтишим учун Эгамизнинг
Ўзи мени юборган.
16 Сўнг аъёнлар билан бутун халойиқ руҳонийларга ва пайғамбарларга шундай
дедилар:
— Йўқ, бу одам ўлимга лойиқ эмас. У бизга Эгамиз Худо номидан
гапиряпти–ку!
17 Юртнинг бир нечта оқсоқоли ҳам чиқиб, тўпланган бутун оломонга шундай
дедилар:
18 — Яҳудо шоҳи Ҳизқиё даврида* башорат қилиб юрган Мўрашатлик Михо
ҳам Яҳудо халқига шундай деб айтган эди*:

> “Сарвари Олам демоқда:
> «Қуддус даладай шудгор қилинади,
> Сион харобазор бўлади,
> Эгамизнинг уйи турган тоғни*
> Қалин ўрмонзор қоплайди.»”

19 Ўшанда Яҳудо шоҳи билан бутун халқ пайғамбарни ўлдирганмиди?! Аксинча,
шоҳ Эгамиздан қўрқиб, Ундан марҳамат сўраган эди. Эгамиз эса шахтидан қайтиб,
уларга эълон қилган фалокатни бошларига келтирмади. Биз–чи? Биз ўзимизнинг
бошимизга ўзимиз фалокат келтиряпмиз–ку!
20 Эгамизнинг номидан башорат қилган яна бир одам бор эди. У
Хират–Йўримлик Шамаё ўғли Уриё эди. У ҳам худди Еремиёга ўхшаб бу юрт ва

шаҳарга қарши башорат қилган эди. 21 Шоҳ Ёҳайиқим, унинг ҳамма соқчилари ва
аъёнлари Уриёнинг сўзларини эшитдилар. Шунда шоҳ Уриёни ўлдиришга қасд
қилди. Бундан хабардор бўлган Уриё қўрққанидан Мисрга қочиб кетди. 22 Шоҳ
Ёҳайиқим унинг орқасидан Ахбор ўғли Элнатанни одамлари билан жўнатди.
23 Улар Уриёни Мисрда тутиб олиб, шоҳнинг олдига олиб келган эдилар. Шоҳ уни
ўлдириб, жасадини авом халқнинг қабристонига ташлаган эди.
24 Шунга қарамай, Шофон ўғли Охихам Еремиёнинг тарафини олди. Еремиёни
ўлдирмоқчи бўлган оломоннинг қўлига топширишга йўл қўймади.

27–БОБ

Еремиё ва ҳўкиз бўйинтуруғи

1 Йўшиё ўғли Зидқиё* Яҳудода ҳукмронлигининг илк даврида*, Эгамиз Ўз
сўзини Еремиёга аён қилди. 2 Эгамиз менга шундай деди: “Ёғочдан бир
бўйинтуруқ яса, қайишлар ёрдамида уни гарданингга осиб ол. 3 Сўнг эса Қуддусга
— шоҳ Зидқиё ҳузурига келган элчилар орқали Эдом, Мўаб, Оммон, Тир ва Сидон
шоҳларига хабар жўнат. 4 Элчиларга буюр, улар ўз шоҳларига қуйидаги хабарни
етказсинлар:

«Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда:
шоҳларингизга айтинглар, 5 бу дунёни, ер юзидаги одамзоду ҳайвонларни
Мен Ўз қудратим ва ажойиботларим билан яратганман. Шундай экан,
уларни хоҳлаган одамга бераман. 6 Ана шу юртларнинг барчасини Мен
Бобил шоҳи қулим Навухадназарга* бердим. Ҳаттоки ёввойи ҳайвонларни
ҳам унинг измига топширдим, улар ҳам Навухадназарга хизмат қилишади.
7 Навухадназарнинг шоҳлиги қулагунча* ҳамма халқлар унга, унинг ўғлию
неварасига хизмат қилади. Кейин эса Навухадназарнинг ўзи ҳам кўплаб
халқларга ва буюк шоҳларга хизмат қилишга мажбур бўлади.
8 Бобил шоҳи Навухадназарга хизмат қилмаган, унга бўйин бермаган
ҳар бир халқ ва шоҳликни Мен урушга, қаҳатчилигу ўлатга гирифтор этиб,
қириб ташлайман, — деб айтмоқда Эгамиз. — Ўша халқни Навухадназар
орқали бутунлай йўқ қилмагунимча қўймайман. 9 Сизлар Бобил шоҳига
хизмат қилмайсизлар, дея каромат қилаётган пайғамбарларингизга,
фолбинларингизга, туш таъбирчиларига, башоратгўй одамларингизга,
сеҳргарларингизга ишонманглар. 10 Улар сизларга ёлғон башорат
қиляптилар. Агар уларга қулоқ солсангизлар, Мен сизларни бу ердан
чиқариб юбораман. Узоқ юртларга сургун қиламан, оқибатда сизлар ҳалок
бўласизлар. 11 Бобил шоҳининг бўйинтуруғи остида бўйин эгган, унга
хизмат қилган ҳар бир халқни эса Мен ўз юртида қолдираман. Улар ўз
юртларида яшаб, ўз ерига ишлов берадилар. Эгамизнинг каломи шудир.»”

12 Мен Яҳудо шоҳи Зидқиёни ҳам худди шундай деб огоҳлантирдим: “Бобил
шоҳига бош эгинг, унинг ўзига ҳам, халқига ҳам хизмат қилинг, шунда
жонингизни сақлаб қолган бўласиз. 13 Эгамиз: «Бобил шоҳига хизмат қилмаган
ҳар бир халқ уруш, қаҳатчилик ва ўлатдан нобуд бўлади» деган эди. Наҳотки
ўзингизнинг ва ўз халқингизнинг жонига зомин бўлсангиз?! 14 «Бобил шоҳига
хизмат қилманг», деб айтаётган пайғамбарларнинг гапларига қулоқ солманг,
улар сизларга ёлғон башорат қиляпти. 15 Ўша пайғамбарлар ҳақида Эгамиз
шундай деб айтди: «Уларни Мен юбормаганман. Улар Менинг номимдан ёлғон
башорат қилишяпти. Шундай экан, Мен сизларни ва сизларга башорат қилаётган

пайғамбарни бу юртдан улоқтириб ташлайман. Ҳаммангиз ҳалок бўласизлар.»”
16 Сўнг мен руҳонийларга ва бутун халққа гапирдим: “Эгамиз шундай демоқда:
«Маъбаднинг ашёлари Бобилдан яқинда олиб келинади, деб айтаётган
пайғамбарларга қулоқ солманглар. Улар сизларга ёлғон башорат қилишяпти.
17 Уларга қулоқ солманглар! Жонингизни сақлаб қолмоқчи бўлсангизлар, Бобил
шоҳига хизмат қилинглар. Акс ҳолда, шаҳар вайрон қилинади! 18 Агар улар,
ҳақиқатан ҳам, пайғамбарлар бўлишса, агар чиндан ҳам Менинг каломим уларга
аён бўлган бўлса, унда улар Мен, Сарвари Оламга ёлворишсин. ‘Сенинг уйингдаги,
шоҳ саройидаги ва Қуддусдаги қолган ашёлар Бобилга олиб кетилмасин’, деб
Менга илтижо қилишсин.» 19-21 Ахир, Сарвари Олам демоқда: «Бобил шоҳи
Навухадназар* Яҳудога бостириб келиб, тахтда ўтирган Ёҳайиқим ўғли
Ёҳайихинни* Яҳудо амалдорлари билан бирга асир қилиб олиб кетганда,
Маъбаддаги иккита бронза устунни, ҳовузни, тагкурсиларни ва Қуддусдаги
айрим идишларни қолдириб кетган эди.» Аммо ўша қолган–қутган ашёлар
ҳақида Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: «Ўз уйимда,
шоҳ саройида ва Қуддусда қолган ашёлар ҳақида айтадиган гапларимни
эшитинглар: 22 ашёларнинг ҳаммаси Бобилга олиб кетилади*. Мен уларни олиб
келгани бормагунимча, ўша ерда қолади. Сўнг эса Мен уларни қайтариб олиб
келаман, шу ерга жойлаштираман.» Эгамизнинг каломи шудир.”

28–БОБ

Сохта пайғамбар Ханониё

1 Айни ўша йили, яъни Яҳудо шоҳи Зидқиё ҳукмронлигининг илк даврида,
тўртинчи йили бешинчи ойида* Ханониё пайғамбар Эгамиз уйидаги руҳонийлар
ва халқ олдида менга гапирди. Ханониё Гивонлик Аззурнинг ўғли эди. У менга
шундай деди:
2 — Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам демоқда: “Бобил шоҳи солган
бўйинтуруқни Мен синдириб ташладим. 3 Шоҳ Навухадназар* уйимдан Бобилга
олиб кетган ҳамма ашёларни Мен икки йил ичида бу ерга қайтариб олиб келаман.
4 Бундан ташқари, Бобилга сургун бўлган Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим ўғли
Ёҳайихинни* ва у билан бирга ҳамма асирларни* қайтариб олиб келаман. Мен
Бобил бўйинтуруғини синдириб ташлайман.” Эгамизнинг каломи шудир.
5 Шунда мен Эгамиз уйида ҳозир бўлган руҳонийлар ва халқ олдида Ханониёга
6 шундай дедим:
— Омин! Илойим, айтганингиздай бўлсин. Башорат қилган сўзларингизни
Эгамизнинг Ўзи бажо айласин. Ўз уйининг ашёларию асирларни Бобилдан
қайтариб, бу ерга олиб келсин. 7 Энди эса мен сизга ва халққа айтмоқчи бўлган
мана бу гапларимни эшитинг. 8 Сиздан ва мендан олдин ўтган пайғамбарлар кўп
юртлару буюк шоҳликларга қарши уруш, очарчилик ва ўлатни башорат қилган
эдилар. 9 Тинчликни башорат қилган пайғамбарнинг башорати бажо бўлганидан
кейингина*, халқ уни “ҳақиқатан ҳам Эгамизнинг элчиси” деб тан олар эди.
10 Сўнг Ханониё пайғамбар Еремиёнинг гарданидаги бўйинтуруқни олиб
синдирди–да, 11 тўпланиб турган халойиққа мурожаат қилиб деди:
— Эгамиз айтмоқда: “Худди шундай қилиб, Мен икки йил ичида Бобил шоҳи
Навухадназарнинг халқларга солган бўйинтуруғини олиб, синдириб ташлайман.”
Бу гаплардан кейин Еремиё ўз йўлига кетди.
12 Ханониё пайғамбар Еремиё пайғамбарнинг гарданидаги бўйинтуруқни
синдиргандан кейин, кўп ўтмай Эгамиз Еремиёга Ўз сўзини аён қилиб деди:

13 “Хананиёнинг олдига бориб, шундай деб айт: «Эгамиз айтмоқда: сен ёғоч
бўйинтуруқни синдирдинг, аммо ўшанинг ўрнига Мен темир бўйинтуруқ
ясайман. 14 Зеро, Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: Мен
бу халқларнинг гарданига темир бўйинтуруқ соламан. Уларнинг ҳаммаси Бобил
шоҳи Навухадназарга хизмат қилишади. Ҳа, уларнинг ҳаммаси Навухадназарга
бош эгади. Мен ҳатто ёввойи ҳайвонларни ҳам Навухадназарнинг ихтиёрига
топшираман.»”
15 Еремиё пайғамбар Хананиё пайғамбарга деди:
— Менга қара, Хананиё, Эгамиз сени юбормаган. Сен эса бу халқни ёлғон
гапларингга ишонтириб қўйдинг. 16 Шу қилганинг учун Эгамиз шундай демоқда:
“Мен сени ер юзидан даф қиламан. Сен ўз башоратларинг билан халқни Эгангга
қарши қўзғатганинг учун шу йилиёқ ўласан.”
17 Ўша йилнинг еттинчи ойида* Хананиё оламдан ўтди.

29–БОБ

Еремиёнинг Бобилдаги яҳудийларга ёзган мактуби

1 Еремиё пайғамбар Бобилда асирларнинг орасида омон қолган оқсоқолларга,
руҳонийларга, пайғамбарларга ва асирликда юрган бутун халққа Қуддусдан бир
мактуб йўллади. Бу асирларни шоҳ Навухадназар* Қуддусдан Бобилга сургун
қилган эди. 2 Шоҳ Ёҳайихин*, она малика, аъёнлар, Яҳудо ва Қуддус
йўлбошчилари, ҳунармандлару темирчилар Қуддусдан сургун қилингандан
кейин бу мактуб ёзилди. 3 Еремиё мактубини Шофон ўғли Эласах ва Хилқиё ўғли
Гамариё орқали жўнатди. Яҳудо шоҳи Зидқиё* бу одамларни Бобил шоҳи
Навухадназар ҳузурига юборганди. Мактуб қуйидаги мазмунда эди:

4 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам Қуддусдан Бобилга сургун
қилган барча одамларга шундай демоқда: 5 “Ўзларингизга яшаш учун
уйлар қуринглар, боғ–роғлар яратинглар, меваларидан тановул қилинглар.
6 Уйланинглар, ўғил–қизлар кўринглар, ўғилларингизга келинлар олиб
беринглар. Қизларингизни узатинглар, улар ҳам ували–жували бўлишсин.
Ўша ерда кўпайинглар, сонингиз камаймасин. 7 Мен сизларни сургун
қилган ўша шаҳарнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун меҳнат қилинглар. Ўша
шаҳарнинг осойишталиги учун Менга ибодат қилинглар. Шаҳар тинч
бўлса, сизлар ҳам тинч бўласизлар.” 8 Исроил халқининг Худоси — Сарвари
Олам шундай демоқда: “Орангиздаги пайғамбарлар билан фолбинлар
сизларни лақиллатишмасин. Улар кўрган тушларини айтганларида қулоқ
солманг, 9 улар Менинг номим билан башорат қилиб айтаётган ҳамма
гаплари ёлғондир. Уларни Мен олдингизга юбормаганман.” Эгамизнинг
каломи шудир.
10 Эгамиз шундай демоқда: “Бобил ҳукмронлигига етмиш йил бўлгандан
кейин, Мен олдингизга бораман. Берган эзгу ваъдамга биноан сизларни шу
ерга қайтариб, олиб келаман. 11 Ахир, Мен сизлар тўғрингизда тузган
режаларимни биламан, — деб айтмоқда Эгамиз. — Бу режаларим сизларга
кулфат эмас, фаровонлик олиб келади, ёруғ келажагу умид беради. 12 Ўша
дамларда Менга қилган илтижою ибодатларингиз ижобат бўлади. 13 Мени
бутун қалбингиз билан изласангизлар, топасизлар. 14 Ҳа, Мени топасизлар,
— деб айтмоқда Эгамиз. — Мен сизларни яна фаровонликка
эриштираман*. Сизларни сургун бўлган барча халқлар орасидан, ҳамма

юртлардан йиғиб оламан. Сизларни Ўзим чиқариб юборган она юртингизга қайтариб олиб келаман.” Эгамизнинг каломи шудир.
15 Сизлар: “Эгамиз Бобилда бизга пайғамбарлар берди”, деб айтишингиз
мумкин. 16 Энди Довуд тахтида ўтирган шоҳ ҳақида, ҳануз Қуддусда яшаб
келаётган бутун халқ ҳақида, сизлар билан сургунга кетмаган
қариндош–уруғингиз ҳақида Эгамизнинг айтган сўзларини эшитинг.
17 Сарвари Олам шундай демоқда: “Мен уларнинг бошига уруш, очарчилик
ва ўлат балосини келтираман. Уларни еб бўлмайдиган чирик анжирга
ўхшатиб қўяман. 18 Қилич, очарчилик ва ўлат билан уларнинг кетидан
қуваман. Буларни кўрган ер юзидаги ҳамма шоҳликлар даҳшатга тушади.
Мен уларни тарқатиб юборган жойда уларнинг аҳволини кўрган ҳамма
одамлар даҳшатга тушиб, ёқасини ушлайди. Уларни масхара қилиб,
номини қарғишларда ишлатишади. 19 Ахир, улар гапимга қулоқ
солмадилар, — деб айтмоқда Эгамиз. — Мен уларнинг олдиларига
пайғамбар қулларимни узлуксиз юбориб турдим. Бироқ улар
пайғамбарларимга қулоқ солмадилар.” Эгамизнинг каломи шудир.
20 Шундай экан, эй Эгамиз Бобилга сургун қилган асирлар, Эгамизнинг
гапларига қулоқ солинглар! 21 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам
Хулаё ўғли Ахаб ва Масиё ўғли Зидқиё ҳақида шундай демоқда: “Улар
Менинг номим билан ёлғон башоратлар айтиб юришибди. Мен уларни
Бобил шоҳи Навухадназар қўлига топшираман. Сизларнинг кўзингиз
олдида ўлдиртириб юбораман. 22 Шундан кейин Бобилдаги Яҳудолик
асирлар бировни қарғаганда шундай деб айтадиган бўлади: «Илойим,
бошингга Бобил шоҳи тириклайин ёқиб юборган Зидқиё ва Ахабнинг куни
тушсин.» 23 Ахаб билан Зидқиёнинг қисмати шудир, чунки улар Исроилда
разилликлар қилдилар. Қўшниларининг хотинлари билан зино қилдилар.
Мен уларга амр қилмаган бўлсам ҳам, Менинг номимдан ёлғон гапирдилар.
Қилган қилмишларини биламан, Ўзим шуларга гувоҳман.” Эгамизнинг
каломи шудир.

Шамаёга қарши башорат

24-25 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам менга Нахаламлик Шамаё
тўғрисида бир хабар берди. Шамаё ўзбошимчалик қилиб, Қуддусдаги ҳамма
одамга, Масиё ўғли руҳоний Зафаниёга ва бошқа ҳамма руҳонийларга бир мактуб
жўнатган экан. У мактубида руҳоний Зафаниёга шундай деб ёзган экан:

26 Эгамизнинг Ўзи сизни Ёҳайидо ўрнига руҳоний қилиб тайинлади. Сиз,
Эгамиз уйининг назоратчиси сифатида, ўзини пайғамбар қилиб кўрсатган
ҳар бир телбани кишанлаб, занжирбанд қилишингиз лозим. 27 Нега энди
Онотўтлик Еремиёга индамай юрибсиз? У сизларнинг орангизда ўзини
пайғамбар қилиб кўрсатиб юрибди–ку! 28 У Бобилга, бизга мактуб жўнатиб,
мактубида: “Сизлар узоқ йиллар давомида сургунда яшайсизлар.
Ўзларингизга яшаш учун уйлар қуринглар, боғ–роғлар яратинглар,
мевасидан тановул қилинглар”, деб ёзибди.

29 Бу мактубни Еремиёга руҳоний Зафаниё ўқиб берди. 30 Шунда Еремиёга
Эгамиз Ўз сўзини аён қилди: 31 “Сургундаги барча одамларга шундай деб ёз:

Нахаламлик Шамаё ҳақида Эгамиз демоқда: «Шамаёни Мен
юбормаганман. У эса башорат қилиб, сизларни ёлғон гапларига ишонтириб

қўйди. 32 Шунинг учун Мен уни бутун хонадони билан бирга жазолайман.
Бу халқ орасида унинг авлодидан бўлган бирон та одам ҳам тирик
қолмайди. Уларнинг бирон таси ҳам халқимга Мен қиладиган
яхшилигимни кўрмайди, чунки Шамаё ўз гаплари билан халқимни Менга
қарши қўзғатмоқчи бўлди.» Эгамизнинг каломи шудир.”

30–БОБ

Эгамиз Ўз халқига ваъда беради

1 Эгамизнинг сўзи Еремиёга аён бўлди. 2 Исроил халқининг Худоси — Эгамиз
шундай деди: “Мен сенга айтган барча сўзларимни ўрама қоғозга* ёзиб қўй.
3 Шундай кунлар келадики, Мен халқим Исроилни ва Яҳудони яна фаровонликка
эриштираман*. Ота–боболарига берган юртга уларни олиб келаман. Улар ўша
юртга эгалик қиладилар.” Эгамизнинг каломи шудир.
4 Эгамиз менга Исроил ва Яҳудо ҳақида шундай сўзларни айтди:

5 Эгамиз демоқда:
“Саросима овозларини эшитдик.
Ана, ваҳима садолари эшитилмоқда! Тинчлик йўқ!
6 Қани, сўраб кўринг:
Эркак киши туғадими?
Нега унда мен кўрган ҳар бир кучли эркак
Дард тутган аёлдай белини ушлаб олган?
Нега ҳар бир эркакнинг юзи бўздай оқарган?
7 Эвоҳ, нақадар даҳшатли бу кун!
Бундай кун ҳеч қачон бўлмаган.
Ёқуб насли учун бу жабр куни бўлади,
Аммо бу кундан халқим қутқарилади.”

8 Сарвари Олам шундай демоқда: “Ўша куни Мен халқимнинг бўйнидаги
бўйинтуруқни синдираман, кишанларини узиб ташлайман. Менинг халқим энди
ҳеч қачон ажнабийларга қул бўлмайди. 9 Улар Мен, Ўз Эгаси Худога ва Мен тахтга
ўтқизадиган Довуд авлодидан бўлган шоҳга хизмат қилишади.”

10 Эгамиз шундай демоқда:
“Эй қулим Ёқуб, қўрқма!
Эй Исроил* халқи, саросимага тушма!
Мен сени олис юртдан озод қилиб олиб келаман,
Наслингни сургун бўлган мамлакатдан қутқараман.
Эй Ёқуб насли, сен юртингга қайтасан,
Осойишта ва бехатар яшайсан.
Энди ҳеч ким сени қўрқитмайди.”
11 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен сен билан бирга бўламан,
Ўзим сени қутқараман.
Сени халқлар орасига тарқатган эдим,
Энди ўша халқларнинг ҳаммасини қириб ташлайман.
Сени эса қириб юбормайман,
Аммо жазосиз ҳам қолдирмайман,
Адолат ила жазоингни бераман.”

12 Мана, Эгамиз Ўз халқига шундай демоқда:
“Ярангни даволаб бўлмайди,
Сенинг дардинг бедаводир.
13 Арзингни эшитадиган одам йўқ,
Яранг учун дори–дармон йўқ,
Сени даволаб бўлмайди.
14 Ҳамма ўйнашларинг* сени унутди,
Уларнинг сен билан иши йўқ.
Мен душман каби, сенга ҳамла қилдим,
Шафқатсиз жазоингни бердим.
Оғир жиноятинг, кўп гуноҳларинг учун
Сени шу кўйга солдим.
15 Нечун жон аччиғида бақиряпсан?!
Ярангни даволаб бўлмайди, ахир!
Оғир жиноятинг, кўп гуноҳларинг учун
Сени шу кўйга солдим.
16 Аммо сени ҳалок қилганлар ҳалок бўлади,
Душманларингнинг ҳаммаси сургун қилинади.
Сени талон–тарож қилганлар таланади.
Сенга ҳужум қилганлар босиб олинади.
17 Душманлар сени «Ташлаб кетилган» деб аташса ҳам,
«Ҳеч кимнинг Қуддус* билан иши йўқ», деб айтишса ҳам,
Мен сени соғайтираман,
Янгга шифо бераман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

18 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен Ёқуб наслининг чодирларини қайта тиклайман.
Халқим хонадонларига раҳм–шафқат қиламан.
Шаҳар ўз вайроналари устида қайта бунёд бўлади,
Сарой ўз жойида тикланади.
19 У ердан шукрона қўшиқлари эшитилади,
Шодлик ҳайқириқлари янграб туради.
Мен халқимни кўпайтираман,
Уларнинг сони камаймайди.
Уларни обрў–эътиборли қиламан,
Ҳеч ким уларни оёқ ости қилмайди.
20 Фарзандлари олдингидай фаровон ҳаёт кечиради,
Жамоаси олдимда мустаҳкам туради.
Уларга жабр қилганларни Мен жазолайман.
21 Шаҳзодаси ўзларидан чиқади,
Ҳукмдори Менинг халқимдан бўлади.
Мен уни Ўзимга яқинлаштираман,
Шунда у Менга яқинлаша олади.
Зотан, ҳеч ким ўзидан–ўзи
Менга яқинлашишга журъат этмайди!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
22 Шунда, эй Ёқуб насли, сизлар Менинг халқим бўласизлар,
Мен эса сизларнинг Худойингиз бўламан.”

23 Қаранглар, Эгамиз ғазабга минди,
Унинг қаҳри бўронга ўхшайди,
Авж олган тўфондай,
Фосиқларнинг бошига тушади.
24 Эгамиз ниятини тўлиқ бажармагунча,
Ўз ғазабидан тушмайди.
Кейинчалик буни англаб оласиз.

31–БОБ

Исроил халқи она юртига қайтиб келади

1 Эгамиз шундай демоқда: “Ўша вақтда Мен ҳамма Исроил қабилаларининг
Худоси бўламан, улар эса Менинг халқим бўлади.”

2 Эгамиз шундай демоқда:
“Қирғиндан омон қолган Исроил халқи
Тинчлик излаб сафарга чиққанда,
Саҳрода иноят топди.”
3 Эгамиз қадимда Исроилга зоҳир бўлиб,
Шундай деган эди:
“Сени мангу севги билан севдим,
Сенга содиқ бўлиб келдим.
4 Эй бокира қиз Исроил,
Мен сени қайтадан бунёд этаман.
Сен қайта бино бўласан.
Сен яна чилдирмангни чаласан,
Қувонч ила рақсга тушасан.
5 Самария қирларида яна узумзорлар барпо қиласан.
Ток эккан деҳқонлар ўзлари етиштирган ҳосилдан ейдилар.
6 Шундай кунлар келадики,
Соқчилар Эфрайим* қирларида шундай деб жар соладилар:
«Келинглар, Эгамиз Худонинг олдига борайлик!
Келинглар, Қуддусга* чиқайлик!»”

7 Эгамиз шундай демоқда:
“Ёқуб насли учун севинч ила қўшиқ айтинг,
Ҳа, халқлар сардори учун Худони мадҳ қилинг.
Худога ҳамду санолар ўқинг, Унга ёлвориб айтинг:
«Эй Эгамиз, Ўз халқингни халос қилгин!
Исроилнинг омон қолганларини қутқаргин!»
8 Мен уларни шимолдан олиб келаман,
Дунёнинг тўрт бурчагидан йиғиб оламан.
Ораларида кўру чўлоқлар бўлади,
Ҳомиладор аёллару тўлғоқ тутаётганлар бўлади.
Катта бир жамоа бўлиб, бу ерга қайтиб келишади.
9 Улар кўз ёш тўкиб, йўл юришади,
Уларни бошлаб келаётганимда илтижо қилишади.
Мен уларни сув булоқлари бўйлаб етаклайман,
Қоқилмасин деб, текис йўлдан олиб юраман.

Зотан, Мен Исроилнинг отасидирман,
Эфрайим Менинг тўнғич ўғлимдир.”

10 Эй халқлар, Эгамизнинг сўзини эшитинглар,
Денгиз ортидаги юртларда шундай эълон қилинглар:
“Эгамиз Исроил халқини тарқатиб юборди,
Аммо энди уни қайта йиғиб олади,
Чўпон сурувини қўриқлагандай,
Эгамиз Исроилни қўриқлайди.”
11 Зеро, Ёқуб наслини Эгамиз озод қилди,
Улардан кучлироқ бўлган бир халқдан бу наслни қутқарди.
12 Ёқуб насли Қуддус қирларида қувонч ила ашула айтади,
Эгамиз берган баракадан қувонади.
Буғдой, шароб ва зайтун мойи туфайли,
Сурувдаги қўзилару подалардаги бузоқлар туфайли
Уларнинг юзидан нур сочилади.
Улар суғорилган боққа ўхшайдиган бўлади,
Бутунлай қайғуни унутиб юборишади.
13-14 Эгамиз шундай демоқда:
“Қизлар хурсанд бўлиб, рақсга тушадилар,
Эркакларнинг ёшу қариси шод бўлади.
Мен уларнинг қайғусини қувончга айлантираман,
Ҳасрат ўрнига таскин ва шодлик бераман.
Руҳонийларни аъло сифатли овқатлар билан тўйғизаман,
Халқимни баракалардан баҳраманд қиламан.”

Эгамизнинг Исроилга бўлган меҳр–шафқати

15 Эгамиз шундай демоқда:
“Рама шаҳридан* бир нидо эшитилар,
Аччиқ бир нолаю оҳу фиғон бу.
Болалари учун йиғлар Роҳила*,
Овунишни хоҳламас,
Ахир, улар энди йўқ.”
16 Эгамиз шундай демоқда:
“Бўлди бас, йиғлама,
Кўз ёшларингни тўкма.
Зеро, меҳнатинг тақдирланади,
Фарзандларинг душман юртидан қайтиб келади.
17 Келажагингга умид бор,
Болаларинг ўз юртига қайтиб келади,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

18 Эфрайимнинг ҳасратини эшитдим:
«Мени жазоладинг, ўзимга сабоқ олдим.
Мен ўжар бир бузоққа ўхшаган эдим.
Мени қайтар, олдингга қайтиб борай,
Ахир, Эгам Худо Сенсан.
19 Сендан юз ўгирганимдан пушаймон бўлдим,
Эс–ҳушимни йиғиб олгач, кўксимга урдим.
Ёшликда иснодга қолганим туфайли

Шармандаю шармисор бўлдим.»

20 Эфрайим — Менинг азиз ўғлоним,
Суюкли фарзандимдир у!
Унга қарши кўп гапирганим билан,
Хаёлимдан уни кеткизмайман.
Унга ич–ичимдан ачиниб кетдим,
Албатта унга раҳм қиламан.”
Эгамизнинг каломи шудир.

21 Эй бокира қиз* Исроил,
Ўзинг учун йўл белгиларини қўй,
Йўналиш устунларини ўрнат.
Келган йўлингни аниқлаб ол.
Қайт, ўз шаҳарларингга қайт.
22 Эй вафосиз қиз,
Қачонгача иккиланасан?!
Эгамиз дунёда янги бир нарса яратади:
Исроил Ўз Худосига чирмашиб олади*.

Худо халқининг ёрқин келажаги

23 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: “Мен халқимни яна фаровонликка эриштираман*. Шунда Яҳудо юртидаги ва барча шаҳарларидаги одамлар Қуддусни шундай дуо қиладиган бўлишади:

«Эй муқаддас тоғ*,
Солиҳлик макони,
Эгамиз сенга барака берсин!»

24 Одамлар Яҳудо юртида ва унинг ҳамма шаҳарларида яшайдилар. У ерда деҳқонлар ва қўйларни боқадиган чорвадорлар бўлади. 25 Мен чанқаганларнинг чанқоғини қондираман, толиққан жонга ором бераман. 26 Шунда одамлар мириқиб ухлаб, кучга тўлиб уйғонадилар*.”

27 Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, Мен Исроил ва Яҳудо юртларини одамларга ва ҳайвонларга тўлдираман. 28 Илгарилари Мен бу халқни қўпориб, ҳалок қилган бўлсам, уларни ағдариб ташлаб, яксон этган бўлсам, бошларига фалокат келтирган бўлсам, энди уларни қайта бунёд этиб, мустаҳкам қиламан, — деб айтмоқда Эгамиз. — 29 Ўшанда одамлар шундай деб айтмайдиган бўлади:

«Оталари нордон узум ейишган эди,
Болаларининг тиши қамашди.»

30 Аксинча, ҳар бир одам қилган гуноҳи учун ўзи ўлим жазосини олади. Ким нордон узум еган бўлса, ўшанинг тиши қамашади.”

31 Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келадики, Мен Исроил ва Яҳудо халқлари билан янги аҳд тузаман. 32 Бу янги аҳд Мен уларнинг ота–боболари билан тузган аҳдга ўхшамайдиган бўлади. Мен ота–боболарини қўлидан етаклаб, Мисрдан олиб чиққанимда, улар билан аҳд тузган эдим. Мен уларга содиқ хўжайин* эдим, аммо улар ўша аҳдимни бузишди.” Эгамизнинг каломи шудир.

33 Эгамиз шундай демоқда: “Мен келажакда Исроил халқи билан тузадиган аҳд

шундай бўлади: Мен қонунимни одамларнинг онгига солиб қўяман, қонунимни уларнинг юракларига ёзаман. Мен уларнинг Худоси, улар эса Менинг халқим бўладилар. 34 Шундан кейин одамлар бир–бирига: «Эгамизни таниб–билинг», демайдиган бўлишади. Чунки уларнинг ҳаммаси — каттасидан тортиб, кичигигача Мени биладиган бўлади. Мен уларнинг айбларини кечираман, гуноҳларини ҳеч қачон эсга олмайман.” Эгамизнинг каломи шудир.

35 Кунни ёритсин дея, Эгамиз қуёш ато қилди.
Кечаси нур сочсин дея, ой ва юлдузларни яратди.
У денгизни кўпиртирар,
Тўлқинларини ўкиртирар,
Унинг номи Сарвари Оламдир.
У шундай демоқда:
36 “Агар табиатдаги бу тартиб бузилса,
Исроил насли ҳам халқ сифатида йўқ бўлади.”

37 Эгамиз шундай демоқда:
“Осмону фалакни ўлчаб бўлмагандай,
Замин пойдеворини* текшириб бўлмагандай,
Мен ҳам Исроил наслини тарк этолмайман,
Қилган қилмишлари учун уларни ташлаб кетолмайман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

38 Эгамиз демоқда: “Шундай кунлар келяптики, Қуддус Менинг шарафим учун қайта тикланади. Бутун шаҳар Ханонил минорасидан* тортиб, то Бурчак дарвозасигача қайта қурилади. 39 Шаҳар кенгаяди, чегараси ғарбдаги Горив тепалигигача бориб, Гўах томон бурилади. 40 Ўликлар кўмилган, ахлат ташланган бутун Хиннум сойлиги* ва Қидрон сойлигининг шарқидаги От дарвозасигача чўзилган ҳамма далалар Меники бўлади, улар муқаддас бўлади. Қуддус шаҳри энди ҳеч қачон вайрон қилинмайди, харобага айланмайди.”

32–БОБ

Еремиё дала сотиб олади

1 Яҳудо шоҳи Зидқиё ҳукмронлигининг ўнинчи йилида* Еремиёга Эгамизнинг сўзи аён бўлди. Ўша йили Бобил шоҳи Навухадназар* ҳукмронлигининг ўн саккизинчи йили бўлиб, 2 айни вақтда у лашкарлари билан Қуддусни қамал қилиб турган эди. Еремиё эса Яҳудо шоҳи саройидаги соқчилар ҳовлисига қамаб қўйилган эди. 3 Шоҳ Зидқиёнинг ўзи Еремиёни ўша ерга қаматиб, шундай деган эди: “Нега сен ўзингча башорат қилиб юрибсан?! Ахир, сен шундай деб айтяпсан: «Эгамиз айтмоқда: Мен бу шаҳарни Бобил шоҳининг қўлига топшираман, шаҳар таслим бўлади. 4 Яҳудо шоҳи Зидқиё ҳам Бобилликларнинг* қўлидан қочиб қутулолмайди. У Бобил шоҳининг қўлига топширилади. У шоҳ Навухадназарни ўз кўзи билан кўради, Навухадназар у билан юзма–юз гаплашади. 5 Навухадназар Зидқиёни Бобилга олиб кетади. Мен Зидқиёни жазоламагунимча Зидқиё ўша ерда қолади, — деб айтмоқда Эгамиз. — Агар Бобилликларга қарши жанг қилсангизлар, мағлуб бўласизлар.»”

6 Еремиё шундай деб айтди: “Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилиб деди: 7 «Эй Еремиё, сенинг олдингга Шаллум амакингнинг ўғли Ханомил келади. У сенга:

‘Онотўтдаги даламни сотиб ол. Сен энг яқин қариндошим бўлганинг учун даламни сотиб олиш ҳуқуқига эгасан*’, деб айтади.»
8 Кейин, худди Эгамиз айтганидек, соқчилар ҳовлисига амакиваччам Ханомил кириб келди. У менга шундай деди: «Бенямин ҳудудида жойлашган Онотўтдаги даламни сотиб олсанг, деган эдим. Сен яқин қариндошим бўлганинг учун даламни ўзингга мулк қилиб олиш ҳуқуқига эгасан. Даламни сотиб ола қол.» Шунда менга ҳақиқатан ҳам Эгамиз гапирганини билдим.
9 Мен амакиваччам Ханомилдан Онотўтдаги далани сотиб олиб, унга 43 мисқол* кумушни ўлчаб бердим. 10 Кейин васиқага қўл қўйиб, уни муҳрладим*, ҳаммасини гувоҳлар олдида қилдим, кумушни тарозида ўлчаб бердим. 11 Сўнг муддат ва шартлари баён қилинган васиқанинг муҳрланган нусхасини, шунингдек, муҳрланмаган очиқ нусхани 12 Борухга бердим. Борух Нериёнинг ўғли, Махсиёнинг невараси эди. Соқчилар ҳовлисида ўтирган ҳамма яҳудийлар, васиқага қўл қўйган гувоҳлар ва амакиваччам Ханомил бунинг шоҳиди бўлдилар.
13 Мен уларнинг олдида Борухга шундай дедим: 14 «Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам демоқда: бу васиқанинг иккала нусхасини, муҳрланган ва очиқ нусхаларини олиб, хумчага солиб қўй, токи улар узоқ йиллар давомида сақланиб қолсин. 15 Зеро, Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам демоқда: бу юртда одамлар яна уйлар, далалар ва узумзорлар сотиб оладиган бўлишади.»

Еремиёнинг ибодати

16 Мен васиқани Нериё ўғли Борухга берганимдан сўнг, Эгамизга ибодат қилдим:

17 Ё Эгам Раббий! Сен Ўз қудратинг ва ажойиботларинг билан ер
осмонни яратдинг. Сенинг қўлингдан келмайдиган нарса йўқ. 18 Сен
минглаб авлодларга* Ўзингнинг содиқ севгингни кўрсатасан, аммо
оталарнинг гуноҳлари учун болаларни жазолайсан. Эй буюк ва қудратли
Худо! Сарвари Оламдир Сенинг номинг. 19 Сен доно режалар тузиб, буюк
ишлар қиласан. Фоний бандалар қилаётган барча ишларни кузатиб
турасан. Уларни қилмишига яраша жазолайсан, қилган ишига яраша
тақдирлайсан. 20 Сен Мисрда ёдда қоладиган аломату мўъжизалар
кўрсатдинг. Ҳозирги кунда ҳам Исроил ва бутун одамзод орасида Сенинг
номинг ниҳоятда машҳур.
21 Аломату мўъжизаларинг, Ўз қудратингу ажойиботларинг, буюк бир
даҳшатинг билан Сен Ўз халқингни Мисрдан олиб чиққан эдинг.
22 Ота–боболарига ваъда қилган, сут ва асал оқиб ётган юртни* уларга
берган эдинг. 23 Улар бу юртга келиб, уни мулк қилиб олдилар. Аммо Сенга
бўйсунмадилар, қонунларингга риоя қилмадилар. Буюрган амрларингни
бажармадилар. Шу сабабдан Сен бу фалокатларнинг ҳаммасини уларнинг
бошига солдинг.
24 Ана энди Бобилликлар Қуддусга ҳужум қиляптилар. Қуддусни қўлга
киритиш учун шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйяптилар*. Қирғин,
очарчилик ва ўлат дастидан шаҳар таслим бўлади. Ўзинг кўриб
турганингдек, айтганларингнинг бари бажо бўляпти. 25 Эй Эгам Раббий,
шаҳар Бобилликларга таслим бўлаётган шундай бир пайтда Сен менга:
«Гувоҳлар олдида кумушга дала сотиб ол», дединг–а!”

26 Эгамиз Еремиёга Ўз сўзини аён қилди: 27 “Мен Эгангизман. Мен барча тирик жоннинг Худосиман. Қўлимдан келмайдиган иш йўқ! 28 Шундай экан, Мен бу

шаҳарни Бобилликларга, Бобил шоҳи Навухадназарга таслим қилиб бераман, — деб айтмоқда Эгамиз. — Улар шаҳарни қўлга киритадилар. 29 Сизларга ҳужум қилиб келаётган ўша Бобилликлар шаҳарга ўт қўядилар. Қуддусдаги уйларни ёндириб ташлайдилар! Ахир, Қуддус аҳолиси уйларининг томлари устида Баалга қурбонликлар куйдириб, бошқа худоларга шароб назрларини келтириб, Мени ғазаблантирди.”

30 Эгамиз шундай демоқда: “Исроил ва Яҳудо халқлари ёшлигидан бери олдимда фақат қабиҳлик қилишади. Қачон қараса, Исроил халқи ўз ишлари билан Мени ғазаблантириб юради. 31 Бу шаҳар бино бўлгандан буён, то бугунга қадар, шаҳар аҳолиси Мени қаттиқ ғазаблантириб келмоқда. Мен уларни ҳузуримдан даф қиламан, 32 чунки Исроил ва Яҳудо халқлари — шоҳларию аъёнлари, руҳонийларию пайғамбарлари, Яҳудо ва Қуддусда яшаган ҳамма одамлар қилган ёвузликлари билан жаҳлимни чиқардилар. 33 Улар Менга юз бурмай, орқа ўгирдилар. Мен уларни тўғри йўлга солмоқчи бўлиб астойдил ҳаракат қилгандим, аммо улар Менга қулоқ солмадилар, ўзларига сабоқ олмадилар. 34 Менинг номим билан аталган уйга жирканч бутларини ўрнатиб, уйимни ҳаром қилдилар. 35 Хиннум сойлигида* Баалга саждагоҳлар* қурдилар. У ерда ўғил–қизларини Мўлахга қурбонлик қилиб, оловда куйдирдилар*. Мен уларга бундай жирканч ишни амр қилмаганман, бу ҳатто хаёлимга ҳам келмаган. Натижада бу қилмишлари туфайли Яҳудо халқи жазога лойиқ бўлди.

Эгамизнинг умидбахш ваъдаси

36 Эй Еремиё, сен бу шаҳар ҳақида: «Қуддус шаҳри қирғин, очарчилик ва ўлат дастидан Бобил шоҳининг қўлига топширилади», деб айтяпсан. Бу гапинг тўғри. Аммо Мен, Исроил халқининг Худоси — Эгангиз, айтаманки, 37 халқимни қаҳр–ғазаб ва қаттиқ жаҳл устида турли юртларга тарқатиб юборганимдан кейин, уларни йиғиб оламан. Уларни яна мана шу ерга олиб келаман. Улар бу ерда осойишта умр кечирадилар. 38 Улар Менинг халқим бўлади, Мен эса уларнинг Худоси бўламан. 39 Улар Мендан ҳар доим қўрқсин деб, уларни якдил қиламан, ҳаммасини ҳаётнинг бир мақсади томон йўналтираман. Шунда ўзларига ҳам, болаларига ҳам яхши бўлади. 40 Мен улар билан абадий аҳд тузаман. Уларга доим яхшилик қилишдан қочмайман. Мендан юз ўгириб кетмасликлари учун уларнинг юракларига Мендан қўрқиш ҳиссини солиб қўяман. 41 Мен уларга яхшилик қилганимдан хурсанд бўламан, уларни жону дилим билан бу юртда албатта мустаҳкам ўрнаштираман.”

42 Эгамиз шундай демоқда: “Мен бу халқнинг бошига катта фалокатни қандай ёғдирган бўлсам, ваъда қилган барча эзгуликларимни ҳам устиларига худди шундай ёғдираман. 43 Одамлар бу юрт ҳақида: «Ҳа, юртимиз Бобилликларга таслим бўлди, одамлар ва ҳайвонларсиз ҳувиллаб қолди», деб айтишяпти. Аммо шундай кун келадики, бу юртдаги далалар яна сотиладиган бўлади. 44 Одамлар бу далаларни кумушга сотиб оладилар, гувоҳлар олдида васиқаларга қўл қўйиб, муҳр босадилар. Бундай ҳодиса Бенямин ҳудудида, Қуддус атрофида, Яҳудо шаҳарларида, қирларда, ғарбдаги қир этакларида ва Нагав чўлида содир бўлади. Ахир, Мен халқимни яна фаровонликка эриштираман*.” Эгамизнинг каломи шудир.

33–БОБ

Эгамизнинг иккинчи умидбахш ваъдаси

1 Еремиё соқчилар ҳовлисида қамоқда ўтирганда, Эгамиз унга иккинчи марта

Ўз сўзини аён қилди: [2] “Эй Еремиё, Мен Эгангман, оламни яратган, ерга шакл бериб, уни ўрнатган Худойингман. [3] Менга илтижо қил, сенга жавоб бераман. Сен ҳали билмайдиган буюк сирларни сенга айтаман. [4] Шундай экан, Қуддус аҳлига айт: «Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай демоқда: сизлар душманнинг қамал иншоотларидан* ва унинг қиличидан сақланмоқчи бўлиб, шаҳрингиз деворларини мустаҳкам қилдингиз. Бунинг учун уйларингизни, ҳатто Яҳудо шоҳларининг саройларини буздингизлар. [5] Сизлар Бобилликлар* билан жанг қиласизлар. Улар эса вайрона уйларингизни жасадларга тўлдирадилар. Мен қаҳр–ғазабга тўлиб, халқимни қираман! Халқимнинг қабиҳликлари туфайли бу шаҳардан юз ўгирдим. [6] Шунга қарамай, бу шаҳарга яна шифо бераман, уни соғайтираман. Аҳолисини соғ–саломат қилиб, чексиз тинчлик ва осойишталикдан баҳраманд этаман. [7] Мен Яҳудо ва Исроил халқларини яна фаровонликка эриштираман*, аввалгидай қайта бунёд этаман. [8] Менга қарши қилган барча гуноҳларидан уларни поклайман, бош кўтариб қилган гуноҳларини кечираман. [9] Ер юзидаги ҳамма халқлар олдида Қуддус Менга шуҳрат, қувонч ва шон–шараф келтиради. Қуддусга қилган яхшилигимни, унинг равнақини кўрган барча элларни қўрқув ва титроқ босади.»”

[10] Эгамиз шундай демоқда: “Сизлар, бу ҳувиллаган шаҳарда на одам, на ҳайвон бор, деб айтасизлар. Айтганингиз бежиз эмас. Яҳудо шаҳарлари билан Қуддус кўчалари ҳувиллаб қолган, у ерда на одам, на ҳайвон бор. Бироқ у ерда сиз яна бир бор [11] қувончу шодлик садоларини, келин–куёв овозларини эшитасиз. Одамлар Эгасининг уйига яна шукрона назрларини келтирадилар, шундай деб яна куйлайдилар:

> «Шукрона айтинг Сарвари Оламга, У яхшидир!
> Унинг содиқ севгиси абадийдир!»

Мен бу юртни илгариги фаровонлигига эриштираман.” Эгамизнинг каломи шудир.

[12] Сарвари Олам шундай демоқда: “Одам ва ҳайвонсиз ҳувиллаб қолган бу жойда, юртнинг ҳамма шаҳарларида яна яйловлар бўлади, чўпонлар у ерда қўйларини ўтлатишади. [13] Қирлардаги шаҳарларда, ғарбий қир этакларидаги, Нагав чўлидаги ва Бенямин ҳудудидаги шаҳарларда, Қуддус атрофида, Яҳудо шаҳарларида чўпонлар яна қўйларини санайдиган бўлади.” Эгамизнинг каломи шудир.

[14] Эгамиз шундай демоқда: “Мен Исроил* ва Яҳудо халқларига берган эзгу ваъдамни бажараман. Ваъдамни бажарадиган кунлар яқинлашиб келяпти. [15] Ўша кунларда Мен Довуд наслидан солиҳ бир новдани* етиштираман. Юртда у адолату тўғрилик ила иш тутади. [16] Ўша кунларда Яҳудо халқи бехатар яшайди, Қуддус аҳолиси осойишта ҳаёт кечиради. Қуддус шаҳри «Эгамиз нажоткоримиздир» деб ном олади.”

[17] Эгамиз шундай демоқда: “Довуднинг насли Исроил тахтида абадий ўтиради. [18] Леви авлодидан бўлган руҳонийлар эса ҳузуримда қурбонликлар куйдириб, дон назрларини келтирадилар, улар абадулабад Менга қурбонликлар қиладилар.”

[19] Эгамизнинг сўзи Еремиёга аён бўлди. [20] Эгамиз шундай деди: “Борди–ю, биронтангиз тун ва кун билан тузган амримни бузишга қодир бўлсангиз, уларнинг тартибини ўзгартира олсангиз, [21] шундагина Мен ҳам Довуд ва Менга хизмат қилаётган Леви авлоди билан тузган аҳдимни бузаман, Довуд сулоласини тахтдан тушираман. [22] Мен қулим Довуд наслини ва Менга хизмат қилаётган Леви авлодини осмондаги юлдузлардай, денгиздаги қумдай сон–саноқсиз қиламан.”

23 Еремиёга Эгамизнинг ушбу сўзи аён бўлди: 24 “Бу одамларнинг гапини
эшитдингми? Улар, Эгамиз Ўзи танлаган иккита халқни — Исроил ва Яҳудони рад
этди, деб айтиб юришибди. Бу одамлар халқимдан шунчалик ҳазар қилишадики,
уни энди халқ деб тан олишдан ор қилишяпти.” 25 Эгамиз шундай демоқда: “Мен
кун ва тунга берган амримни, осмону фалак учун ўрнатган қонун–қоидаларимни
ҳеч қачон ўзгартирмайман. 26 Шу сингари, Ёқуб авлодини ва қулим Довуд
сулоласини рад этмайман. Мен доимо Довуд наслидан шоҳ танлайман. Уни
Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб авлодининг устидан ҳукмрон қилиб қўяман. Мен
халқимни яна фаровонликка эриштираман, уларга раҳм–шафқат кўрсатаман.”

34–БОБ

Зидқиё учун хабар

1 Бобил шоҳи Навухадназар* ўз лашкари, қўли остидаги барча шоҳликлару
халқлар билан бирга Қуддусга ва унинг ён–атрофидаги шаҳарларга қарши жанг
қилаётган эди. Шунда Эгамиз Ўз сўзини Еремиёга аён қилди: 2 “Қани бўл, Еремиё,
Яҳудо шоҳи Зидқиё* ҳузурига бор. Унга айт: «Исроил халқининг Худоси — Эгамиз
шундай демоқда: Мен бу шаҳарни Бобил шоҳига таслим қиламан, у шаҳарга ўт
қўяди. 3 Сен ҳам Бобил шоҳининг қўлидан қочиб қутула олмайсан. Одамлар сени
тутиб оладилар. Бобил шоҳининг қўлига топширадилар. Сен ўз кўзинг билан
Бобил шоҳини кўрасан, у сен билан юзма–юз гаплашади. Кейин сени Бобилга
жўнатиб юборади.

4 Бироқ, эй Яҳудо шоҳи Зидқиё, Эгамизнинг сўзини эшит! Эгамиз сен ҳақингда
шундай демоқда: сен қиличдан ҳалок бўлмайсан. 5 Тинчгина оламдан кўз юмасан.
Одамлар ота–боболарингни, сендан олдин ўтган шоҳларни қандай дафн
қилишган бўлса, уларнинг шарафига қандай гулхан ёқишган бўлса*, сенинг
шарафингга ҳам шундай гулхан ёқишади. Йиғи–сиғи қилиб: ‘Вой, хожам!’ дея
марсия айтишади. Эгамизнинг каломи шудир.»”

6 Еремиё пайғамбар буларнинг ҳаммасини Қуддусда Яҳудо шоҳи Зидқиёга
айтди. 7 Шу орада Бобил шоҳининг лашкари Қуддус, Лахиш ва Озикаҳ
шаҳарларига ҳужум қилаётган эди. Яҳудонинг мустаҳкам шаҳарларидан
ўшаларгина ёвга ҳанузгача таслим бўлмаган эди.

Халқ иброний қулларни озод қилиш аҳдига риоя қилмайди

8 Шоҳ Зидқиё Қуддусдаги бутун аҳоли билан аҳд қилиб, иброний қулларни
озодликка чиқаришни эълон қилгандан кейин, Еремиёга Эгамизнинг сўзи аён
бўлди.

9 Зидқиё қилган аҳдга кўра, ҳамма иброний қулларга ва чўриларга озодлик
берилиши лозим эди. Яҳудий биродарларни қулликда тутиш ман этилган эди.
10 Аъёнлар билан бутун халқ аҳд шартларига кўнди. Улар ўз қуллари билан
чўриларини озод қилишга, уларни бундан кейин қул қилиб олмасликка рози
бўлган эдилар. Барча қулдорлар аҳдга риоя қилган ҳолда, қулларига озодлик
беришди. 11 Кейинчалик* эса ўз фикрларидан қайтиб, озод қилган қул ва
чўриларни мажбурлаб, ўзларига яна қул қилиб олишди.

12 Шунда Эгамизнинг сўзи Еремиёга аён бўлди. 13 Исроил халқининг Худоси —
Эгамиз шундай демоқда: “Мен ота–боболарингизни Мисрдаги қулликдан олиб
чиққанимда, улар билан аҳд қилиб, шундай деган эдим*: 14 «Ўзини сизга сотиб,
олти йил хизмат қилган ҳар бир иброний қулни озод қилинглар.» Аммо
ота–боболарингиз айтганларимга эътибор бермадилар, Менга қулоқ солмадилар.
15 Яқинда эса сизлар тавба қилган эдингизлар. Менинг ҳузуримда — Ўзимнинг

номим билан аталган уйимда туриб, биродарларингизни озод қилишга аҳд қилган эдингиз. Менинг назаримда бу ишингиз тўғри эди. 16 Кейин эса сизлар фикрингиздан қайтдингизлар. Мени бадном қилдингизлар. Ўз хоҳишларига кўра, озод қилинган қулу чўриларингизни қайтариб олдингизлар, уларни қул бўлишга мажбур қилдингизлар.”

17 Эгамиз шундай демоқда: “Сизлар Менга итоатсизлик қилиб, ёру дўстларингизни, қўни–қўшниларингизни қўйиб юбормадингиз, шунинг учун Мен сизларни қўйиб юбораман. Мана, уруш, қаҳатчилигу ўлатга йўлингиз очиқ! Аҳволингизни дунёдаги барча шоҳликлар кўриб, даҳшатга тушади. 18 Аҳдимни бузган бу одамларни Мен жазолайман. Улар ҳузуримда аҳд тузган эдилар, бузоқни икки қисмга бўлиб, икки бўлаги орасидан ўтган эдилар*. Аммо аҳд шартларига риоя қилмадилар. Шунинг учун Мен уларни бўғизланган бузоқнинг ҳолига тушираман. 19 Бузоқнинг икки бўлаги орасидан ўтган Яҳудо аъёнларини, Қуддус маъмурларини, сарой амалдорларини, руҳонийларини ва халқ оммасини жазолайман. 20 Уларда қасди борларга ўзларини топшираман, душман қўлига бераман. Жасадлари қушларга ва ёввойи ҳайвонларга ем бўлади. 21 Яҳудо шоҳи Зидқиёни ҳам аъёнлари билан бирга душман қўлига бераман, уларда қасди борларга топшираман. Вақтинчалик чекинган Бобил шоҳининг лашкарига* уларни таслим қиламан. 22 Мен буйруқ бериб, Бобилликларни бу шаҳарга қайтариб олиб келаман. Улар сизларга ҳужум қиладилар. Шаҳарни қўлга олиб, ўт қўядилар. Яҳудо шаҳарлари вайрон бўлади, у ерда ҳеч ким яшамайди.”
Эгамизнинг каломи шудир.

35–БОБ

Еремиё ва Рахав насли

1 Йўшиё ўғли шоҳ Ёҳайиқим* ҳукмронлик қилган даврда Эгамиз Ўз сўзини Еремиёга аён қилди: 2 “Қани бўла қол, Еремиё, Рахав хонадони ҳузурига бориб, у ердаги одамлар билан гаплаш. Сўнг уйимдаги ён хоналарнинг бирига уларни таклиф қилгин–да, шаробдан қуйиб бер.” 3 Мен бориб, Хавазинёнинг невараси — Еремиё ўғли Язаниёни ака–укалари билан бирга, ҳамма ўғилларини ва бутун Рахав хонадонини чақириб, 4 Эгамизнинг уйига бошлаб келдим. Уларни Йихдалиё ўғли Ханон пайғамбарнинг ўғилларига қарашли хонага олиб кирдим. Бу хонанинг ёнида Маъбад аъёнларининг хонаси, тагида эса Шаллум ўғли Масиёнинг хонаси жойлашган эди. Масиё Маъбад дарвозабони бўлиб хизмат қилар эди. 5 Мен дастурхонга идишларни тўлдириб шароб тортдим, пиёлалар қўйдим. Сўнг Рахав наслига:

— Марҳамат қилиб, шаробдан ичинглар, — деб таклиф қилдим.

6 Улар шундай дедилар:

— Биз шароб ичмаймиз. Бобокалонимиз Рахав ўғли Ёҳунадав* бизга шундай амр қилган: “Зинҳор шароб ичманглар, болаларингиз ҳам ичмасин. 7 Уйлар қурманглар, экин экманглар, узумзорлар барпо қилманглар, уларни ўзингизга мулк қилиб олманглар. Кўчиб борган жойингизда узоқ вақт яшай олишингиз учун чодирларда кун кечиринглар.” 8 Шунинг учун биз бобокалонимизнинг амрига бўйсуниб, ҳеч қачон шароб ичмаймиз, хотинларимиз ҳам, ўғил–қизларимиз ҳам шароб ичмайдилар. 9 Ўзимиз учун уйлар қурмаймиз, экин экмаймиз, бизда на узумзор бор, на дала бор. 10 Биз бобокалонимиз Ёҳунадавнинг амрига итоат қилиб, бир умр чодирларда яшаб келдик. 11 Аммо Бобил шоҳи Навухадназар* бу юртга бостириб келгандан сўнг, Бобил* ва Орам

лашкарларидан қўрқиб, Қуддусга келишга қарор қилган эдик. Шу сабабдан ҳозир биз Қуддусда яшаб юрибмиз.

12 Шундан сўнг Еремиёга Эгамизнинг қуйидаги сўзи аён бўлди. 13 Исроил халқининг Худоси — Саррвари Олам унга шундай деди: “Қани бўл, Еремиё, Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолисининг ҳузурига бориб, шундай деб таъна қил: сизлар ўзи сабоқ оласизларми?! Менга итоат қилишни ўрганасизларми ўзи?! 14 Ана, кўриб қўйинг, Рахав насли ўз бобокалонининг амрига итоат қилгани учун бугунга қадар шаробни оғзига ҳам олмай юрибди. Мен эса сизларга қайта–қайта гапирган бўлсам ҳам, сизлар Менга итоат қилмадингизлар. 15 Мен пайғамбар қулларимни олдингизга қайта–қайта жўнатдим. Улар орқали сизларни шундай деб огоҳлантирган эдим: «Сизларга ва ота–боболарингизга Мен берган бу юртда яшай олишингиз учун ёмон йўлингиздан қайтинглар. Турмуш тарзингизни ўзгартиринглар. Бошқа худоларга эргашманглар. Уларга хизмат қилманглар.» Аммо сизлар қулоқ солмадингизлар, гапимга кирмадингизлар. 16 Ёҳунадавнинг авлоди ўз бобокалони буюриб кетган амрни ижро этди, бу халқ эса Менга итоат қилмади.”

17 Шунинг учун Исроил халқининг Худоси, Парвардигори Олам — Эгамиз шундай демоқда: “Мен Яҳудо ва Қуддус аҳолисига гапирган эдим, аммо улар гапларимга қулоқ солмадилар, уларни чақирган эдим, аммо Менга жавоб бермадилар. Шунинг учун Ўзим айтган барча бало–қазоларни уларнинг бошларига ёғдираман.”

18 Рахав хонадонига эса Еремиё шундай деди: “Исроил халқининг Худоси — Саррвари Олам демоқда: «Сизлар бобокалонингиз Ёҳунадавнинг амрига итоат этдингиз, унинг насиҳатларини рад этмай, айтганларининг ҳаммасини бажардингиз, шунинг учун 19 Рахав ўғли Ёҳунадав авлодидан бўлган киши ҳузуримда абадулабад хизмат қиладиган бўлади.» Исроил халқининг Худоси — Саррвари Оламнинг каломи шудир.”

36–БОБ

Борух ўрама қоғозга ёзилган сўзларни Маъбадда ўқийди

1 Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йилида* Еремиёга Эгамизнинг шу сўзи аён бўлди: 2 “Ўрама қоғоз* ол. Исроил, Яҳудо ва барча шоҳликларга қарши Мен айтган сўзларни ёзиб қўй. Сенга илк бор Йўшиё даврида* аён қилган сўзимдан тортиб, то бугунга қадар айтган барча гапларимни ёз. 3 Балки Яҳудо халқи Мен бошларига келтирмоқчи бўлган фалокатлар ҳақида эшитиб, ёвуз йўлларидан қайтар. Шунда Мен уларнинг айбу гуноҳларини кечираман.”

4 Еремиё Нериё ўғли Борухни чақириб, Эгамизнинг айтган ҳамма сўзларини ёздирди. 5 Сўнг Еремиё Борухга тайинлаб деди: “Эгамизнинг уйига кириш менга ман этилган. 6 Шунинг учун рўза куни сен ўзинг у ерга борасан. У ердаги одамларга мен сенга ёздирган Эгамизнинг сўзларини ўрама қоғоздан ўқиб берасан. Ўша куни Яҳудонинг турли шаҳарларидан келган халойиқ Эгамизнинг уйида бўлади, улар ҳам ўқиганингни эшитиб олсин. 7 Балки улар Эгамизга ёлвориб, ёвуз йўлларидан қайтишар. Ахир, Эгамиз қаҳру ғазабини уларга сочишини эълон қилди!” 8 Нериё ўғли Борух Еремиёнинг айтганларини тўла–тўкис бажарди. У Эгамизнинг уйига борди, ўрама қоғозга битилган Эгамизнинг сўзларини ўқиди.

9 Бу воқеа Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Ёҳайиқим ҳукмронлигининг бешинчи йили

тўққизинчи ойида* содир бўлди. Қуддус аҳолиси билан Яҳудо шаҳарларидан келган бутун халқ Эгамизга бағишлаб рўза тутган эди. 10 Шунда Борух Эгамиз уйининг Янги дарвозаси ёнидаги юқори ҳовлида жойлашган Шофон ўғли котиб Гамариёнинг хонасига кирди. У ердан туриб, ўрама қоғозга битилган Еремиёнинг сўзларини бутун халққа овоз чиқариб ўқиб берди.

Борух ўрама қоғозни аъёнларга ўқиб беради

11 Гамариё ўғли Михиё ўрама қоғозга битилган Эгамизнинг сўзларини эшитгач, 12 дарҳол шоҳ саройидаги котибнинг хонасига жўнади. Барча аъёнлар ўша ерда жамулжам бўлиб ўтирган экан: улар — котиб Элишама, Шамаё ўғли Далоё, Ахбор ўғли Элнатан, Шофон ўғли Гамариё, Ханониё ўғли Зидқиё ва бошқа аъёнлар эдилар. 13 Борух ўрама қоғоздан халққа ўқиб берган барча сўзларни Михиё уларга айтиб берди. 14 Аъёнлар Куши ўғли Шаламиё авлодидан бўлган Натаниё ўғли Ёҳудини Борухнинг олдига жўнатиб, шундай гапни айтиб юбордилар: “Халққа ўқиб берган ўрама қоғозни олиб, ҳузуримизга келгин.” Нериё ўғли Борух ўрама қоғозни олиб аъёнларнинг олдига борди. 15 Аъёнлар Борухга:

— Қани, ўтир, бизга ҳам ўрама қоғоздаги сўзларни ўқиб бер, — дедилар. Борух ўқиди. 16 Аъёнлар эшитган сўзларидан ваҳимага тушиб, бир–бирларига қараб қолдилар. Сўнг Борухга:

— Бу ҳақда шоҳни хабардор қилишимиз зарур, — дедилар. 17 Улар Борухдан сўрадилар:

— Буларни қаердан олиб ёздинг? Бу сўзларни сенга айтган, мабодо, Еремиё эмасми?

18 — Ҳа, Еремиёнинг ўзи айтиб турди, мен эса унинг айтганларини сиёҳ билан ўрама қоғозга ёздим, — деб жавоб берди Борух.

19 — Еремиё билан бориб, бирон жойга яшириниб олинглар, ҳеч ким бу ҳақда билмасин, — деб тайинлашди аъёнлар.

Шоҳ ўрама қоғозни ёқиб юборади

20 Аъёнлар ўрама қоғозни котиб Элишаманинг хонасида қолдирдилар, ўзлари эса шоҳ ҳузурига бориб, ҳамма гапни етказдилар. 21 Шоҳ ўрама қоғозни олиб келиш учун Ёҳудини жўнатди. Ёҳуди котиб Элишама хонасидан ўрама қоғозни олиб келиб, уни шоҳга ва шоҳ ҳузуридаги аъёнларга ўқиб берди.

22 Кеч куз*. Шоҳ қишки саройида ўтирар, ёнидаги манқалда ўт ёниб турар эди. 23 Ёҳуди ўрама қоғоздан уч–тўрт устунни ўқиб бўлиши биланоқ, шоҳ Ёҳайиқим котибнинг пичоқчаси билан ўрамнинг ўша қисмини қирқиб, манқалдаги оловга ташлайверди. У ўрама қоғознинг ҳаммасини оловда ёндириб бўлгунча шундай қилаверди. 24 Ўрама қоғоздаги сўзларни эшитган шоҳ билан хизматкорлар қўрқувга тушмадилар, қайғудан кийимларини йиртмадилар*. 25 Элнатан, Далоё ва Гамариё шоҳга ёлвориб, ўрама қоғозни ёндирманг, деб илтимос қилган бўлсалар ҳам, шоҳ уларга қулоқ солмади. 26 У шаҳзода Ярахмалга, Озриёл ўғли Сараёга ва Абдал ўғли Шаламиёга, Еремиё пайғамбарни ва котиб Борухни тутиб келинглар, деб буюрди. Эгамиз эса Еремиё билан Борухни яширган эди.

Еремиё Худонинг сўзларини бошқатдан ёздиради

27 Еремиё Борухга ёздирган ўрама қоғозни шоҳ ёқиб юборгандан кейин, Еремиёга Эгамизнинг қуйидаги сўзи аён бўлди: 28 “Еремиё, бошқа бир ўрама қоғоз ол. Унга Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим ёндириб юборган аввалги ўрама қоғоздаги ҳамма сўзларни ёз. 29 Яҳудо шоҳи Ёҳайиқимга эса шундай деб айт: «Эгамиз демоқда: ўрама қоғозда: ‘Бобил шоҳи албатта келади, юртни вайрон қилади, одамлару ҳайвонларни қириб ташлайди’, деб ёзилгани учун сен Еремиёга дўқ қилибсан,

ўрама қоғозни ёқиб юборишга журъат этибсан. 30 Шунинг учун, эй Яҳудо шоҳи
Ёҳайиқим, Эгамиз сен ҳақингда шундай демоқда: сенинг авлодингдан биронтаси
ҳам Довуд тахтида ўтирмайди*. Сенинг жасадингни одамлар улоқтириб
юборишади, ўлигинг куннинг жазирамасида, туннинг совуғида қолади. 31 Мен
сени, сенинг авлодингу аъёнларингни қилган гуноҳларингиз учун жазолайман.
Ўзим айтган барча фалокатларни сизларнинг бошингизга, Қуддус аҳолиси ва
Яҳудо халқининг бошига ёғдираман, чунки сизлар Менга қулоқ
солмадингизлар.»”

32 Еремиё бошқа бир ўрама қоғоз олиб, Нериё ўғли котиб Борухга берди. Сўнг
Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим ёндириб юборган аввалги ўрама қоғоздаги барча сўзларни
унга ёздирди. Аммо бу сафар ўрамга шу мазмундаги кўп хабарлар қўшилган эди.

37–БОБ

Шоҳ Зидқиё Еремиёдан маслаҳат сўрайди

1 Бобил шоҳи Навухадназар* Йўшиё ўғли Зидқиёни* Ёҳайиқим ўғли
Ёҳайихиннинг* ўрнига Яҳудо шоҳи қилиб тайинлади. 2 Аммо на шоҳ, на аъёнлари,
на юртдаги халқ Эгамизнинг Еремиё орқали айтган сўзларига қулоқ солар
эдилар.

3 Шоҳ Зидқиё Шаламиё ўғли Ёҳухал билан Масиё ўғли руҳоний Зафаниёни
Еремиё пайғамбарнинг олдига юборар экан, шу гапларни айттириб юборди:
“Илтимос, биз учун Эгамиз Худога илтижо қил.” 4 Еремиё шу вақтгача қамоққа
олинмаганлиги учун халқ орасида бемалол юрар эди. 5 Шу орада фиръавн
лашкари Мисрдан чиқди*. Қуддусни қамал қилиб турган Бобилликлар* бу
хабарни эшитишгач, Қуддусдан чекиндилар.

6 Шунда Эгамиз сўзини Еремиёга аён қилди. 7 Исроил халқининг Худоси —
Эгамиз шундай демоқда: “Худонинг сўзини билмоқчи бўлиб, икковингизни
олдимга юборган Яҳудо шоҳига шундай деб айтинг: сизларга ёрдам бермоқчи
бўлиб келаётган фиръавн лашкари ўз юрти — Мисрга қайтиб кетади.
8 Бобилликлар эса Қуддусга қайтиб келиб, шаҳарга қарши жанг қиладилар. Улар
шаҳарни қўлга олиб, ёндириб юборадилар.”

9 Эгамиз яна шундай демоқда: “Бобилликлар энди қайтиб келишмайди, деб
ўзларингизни алдаманглар, чунки улар албатта қайтиб келишади. 10 Борди–ю,
сизлар Бобилликларнинг бутун лашкарини мағлуб қилганингизда ҳам, уларнинг
чодирларида қолган ярадорлар келиб, шаҳрингизга ўт қўйган бўларди.”

Еремиё зиндонга ташланади

11 Фиръавн лашкари яқинлашиб келаётгани учун Бобилликлар Қуддусдан
чекиндилар. 12 Шунда Еремиё Бенямин ҳудудидаги* халқ орасида ўзига тегишли
ер улушини кўриш учун Қуддус шаҳридан кетмоқчи бўлди. 13 У Қуддуснинг
Бенямин дарвозасига етиб келгач, соқчилар бошлиғи Йириё:

— Сен Бобилликларнинг олдига қочиб кетмоқчисан, — деб уни қамоққа олди.
Йириё Шаламиёнинг ўғли, Хананиёнинг невараси эди.

14 — Ёлғон! — деди Еремиё, — мен Бобилликларнинг олдига қочмоқчи
эмасман.

Аммо Йириё Еремиёнинг гапига қулоқ солишни истамади, уни ҳибсга олиб,
аъёнларнинг олдига олиб борди. 15 Аъёнлар Еремиёдан ғазабланиб, уни
калтаклашди. Сўнг котиб Йўнатаннинг зиндонга айлантирилган уйига қамаб
қўйишди. 16 Шундай қилиб, Еремиё узоқ вақт зиндон ҳужраларидан бирида ётди.

17 Орадан вақт ўтди. Шоҳ Зидқиё Еремиёни саройига чақиртириб:

— Эгамиздан бирон хабар борми? — деб яширинча сўради.

— Ҳа, бор, — деди Еремиё. — Сиз Бобил шоҳининг қўлига тушасиз. 18 Нега улар мени зиндонга ташлашди? Мен аъёнларингизга ва бу халққа қарши нима гуноҳ қилибман?! — деди яна у. 19 — “Бобил шоҳи сизга ҳужум қилмайди, юртимизга у тажовуз қилмайди”, деб башорат қилган пайғамбарларингиз қани?! 20 Ёлвораман, олампаноҳим, илтижоимни рад этманг, мени котиб Йўнатаннинг уйига қайтариб юборманг. У ерда адойи тамом бўламан.

21 Шоҳ Зидқиё, Еремиёни соқчилар ҳовлисига қамаб қўйинглар, шаҳарда нон қолмагунча, ҳар куни унга новвой растасидан биттадан нон олиб беринглар, деб буюрди. Шундай қилиб, Еремиё соқчилар ҳовлисида қолди.

38–БОБ

Еремиёни сардобага ташлашади

1 Маттон ўғли Шафатиё, Пашхур ўғли Гадалиё, Шаламиё ўғли Ёҳухал* ва Малкиё ўғли Пешхур Еремиёнинг халққа айтган шу сўзларини эшитган эдилар: 2 “Эгамиз демоқда: «Шаҳарда қолганлар қиличдан, қаҳатчилик ва ўлатдан нобуд бўладилар. Бобилликларнинг* олдига чиққанлар эса тирик қоладилар. Бу одамлар ҳеч бўлмаганда ўз жонларини сақлаб қоладилар. 3 Бобил шоҳининг лашкари албатта бу шаҳарни таслим қилиб, қўлга киритади.» Эгамизнинг каломи шудир.”

4 Аъёнлар шоҳга арз қилиб:

— Бу одамни йўқ қилиш керак! — дедилар, — чунки у ўзининг бемаъни гаплари билан шаҳарда қолган жангчилару одамларнинг руҳини туширмоқда. У халқимизнинг фойдасини эмас, зарарини кўзламоқда.

5 — Жуда соз, — деди шоҳ, — у билан хоҳлаганингизни қилинг. Мен сизларга монелик қила олмайман.

6 Аъёнлар Еремиёни ушлаб, арқонларга боғлаб сардобага туширдилар. Соқчилар ҳовлисидаги бу сувсиз сардоба шаҳзода Малкиёга тегишли бўлиб, сардобада балчиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Еремиё балчиққа ботиб қолди.

7 Еремиё сардобага ташлангани ҳақида шоҳ саройининг амалдори Ҳабашистонлик* Обидмалек хабардор бўлди. Шоҳ ўша пайтда Бенямин дарвозасидаги маҳкамада* эди. 8 Обидмалек саройдан чиқди–да, шоҳнинг олдига бориб деди:

9 — Шоҳ ҳазратлари, Еремиё пайғамбарни сардобага ташлаган одамлар қабиҳлик қилишибди. Шаҳарда нон қолмаган бўлса, Еремиё у ерда очликдан ўлади–ку.

10 Шоҳ Ҳабашистонлик Обидмалекка шундай амр қилди:

— Бу ердан ўттизта одамни олгин–да, бориб Еремиёни сардобадан чиқариб ол. Тағин у ерда ўлиб қолмасин.

11 Обидмалек ёнига одамларни олиб, сарой хазинасининг остки қисмида жойлашган хонага кирди. У ердан эски–туски кийимлар ва латта–путта топиб, уларни арқонларга боғлаб, Еремиёга туширди. 12 Сўнг Еремиёга деди: “Арқон танангизни қийиб юбормаслиги учун латталарни арқон билан қўлтиғингиз орасига қўйинг.” Еремиё айтилгандай қилди. 13 Одамлар Еремиёни арқонлар ёрдамида сардобадан чиқариб олдилар. Еремиё соқчилар ҳовлисида қолди.

Зидқиё Еремиёга маслаҳат солади

14 Шоҳ Зидқиё* Еремиё пайғамбарни чақиртирди, уни Эгамиз Маъбадининг учинчи киришида* кутиб олди.

— Сендан бир нарсани сўрамоқчиман, — деди шоҳ. — Мендан ҳеч нарсани яшира кўрма.
15 — Сизга ҳақиқатни айтсам, мени ўлдиришингиз аниқ, — деди Еремиё. — Сизга маслаҳат берганим билан, барибир қулоқ солмайсиз.
16 Шоҳ Зидқиё Еремиёга махфий равишда онт ичиб деди:
— Бизга ҳаёт бахшида этган Эгамиз шоҳид, мен сени ўлдирмайман. Жонингга қасд қилаётган одамларнинг қўлига ҳам сени топширмайман.
17 Шундан кейин Еремиё Зидқиёга деди:
— Исроил халқининг Худоси, Парвардигори Олам — Эгамиз демоқда: “Агар сиз Бобил шоҳининг аъёнларига таслим бўлсангиз, ўз жонингизни сақлаб қоласиз, бу шаҳар ҳам оловга ем бўлмайди. Сиз ва бутун хонадонингиз тирик қоласизлар.
18 Борди–ю, Бобил шоҳининг аъёнларига таслим бўлмасангиз, Бобилликлар бу шаҳарни енгиб, унга ўт қўядилар, ўзингиз ҳам уларнинг қўлидан қочиб қутулолмайсиз.”
19 — Мен Бобилликлар томонга қочиб ўтган яҳудийлардан қўрқаман, — деди шоҳ. — Бобилликлар мени уларнинг қўлига топширишса, улар мени хўрлашади.
20 — Топширишмайди, — деди Еремиё. — Айтганларимни қилиб, Эгамизнинг сўзига итоат қилсангиз, ҳаммаси яхши бўлади, жонингизни сақлаб қоласиз.
21 Борди–ю, таслим бўлишдан бош тортсангиз, Эгамиз менга ваҳий орқали аён қилганлари бажо бўлади: 22 саройингизда қолган ҳамма аёллар Бобил шоҳининг аъёнлари олдига чиқарилади. Ўша аёллар сизга шундай дейишади:

“Ишонган дўстларингиз
Сизни алдаб, енгиб кетишди.
Оёғингиз лойга ботганда,
Ишонган дўстларингиз сизни ташлаб кетишди.”

23 Сизнинг хотину бола–чақаларингиз Бобилликларнинг олдига чиқарилади. Сиз ўзингиз ҳам Бобилликларнинг қўлидан қочиб қутула олмайсиз. Бобил шоҳи сизни қўлга тушириб, шаҳарни ёндириб юборади.
24 — Суҳбатимиз ҳақида ҳеч кимга оғиз очма, акс ҳолда, ўласан, — деди Зидқиё Еремиёга. 25 — Борди–ю, аъёнлар сен билан гаплашганимни билиб қолиб, сенга: “Шоҳ билан нималар ҳақида гаплашдинг? Биздан бирон нарсани яширмай айт, бўлмаса ўласан”, деб айтишса, 26 сен уларга: “Мени Йўнатаннинг уйига қайтариб юборманг, шоҳим, акс ҳолда, у ерда адойи тамом бўламан, деб илтижо қилдим”, дея жавоб бер.
27 Аъёнлар Еремиёнинг олдига келиб, уни сўроққа тутишди. Еремиё шоҳ буюрган гапларни айтиб, жавоб берди. Шундан кейин аъёнлар унга бошқа савол бермадилар, чунки шоҳ билан Еремиё орасида бўлган суҳбатни ҳеч ким эшитмаган эди. 28 Еремиё Қуддус қулаган кунга қадар соқчилар ҳовлисида қолди*.

39–БОБ

Қуддус қулайди

1 Яҳудо шоҳи Зидқиё ҳукмронлигининг тўққизинчи йили ўнинчи ойида* Бобил шоҳи Навухадназар* ўзининг жамики лашкари билан Қуддусга келиб, шаҳарни қамал қилди. 2 Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йили тўртинчи ойининг* тўққизинчи кунида Бобилликлар Қуддус деворини ёриб, шаҳарга кирдилар. 3 Шаҳар қўлга олингач, Бобил шоҳининг ҳамма аъёнлари шаҳарнинг Ўрта дарвозасидаги маҳкамаларда қўмондонлик қароргоҳини жойлаштирдилар*.

Аъёнларнинг орасида Наргал–Шаразар, Самгарнаву, бош маслаҳатчи Сарсаҳим* ва амалдор Наргал–Шаразар бор эдилар. 4 Яҳудо шоҳи Зидқиё ва унинг жамики лашкари уларни кўрдилар–у, қочдилар. Улар ярим кечаси шоҳнинг боғи орқали ўтиб, икки девор орасидаги дарвозадан чиқдилар–да, Иордан водийсига* қараб кетдилар. 5 Аммо Бобил* сипоҳлари уларнинг орқасидан қувиб, Ерихо текислигида Зидқиёга етиб олдилар. Улар Зидқиёни қўлга олиб, Хомат юртидаги Ривло шаҳрига* — Бобил шоҳи Навухадназарнинг ҳузурига олиб боришди. Шоҳ Навухадназар Зидқиёни ҳукм қилди, 6 Ривлода Зидқиёнинг ўғилларини кўзи олдида ўлдирди, сўнг ҳамма Яҳудо аъёнларини қатл қилди. 7 Зидқиёнинг эса кўзларини ўйиб, Бобилга олиб кетиш учун кишанлади.

8 Бобилликлар* шоҳ саройига ва одамларнинг уйларига ўт қўйиб, Қуддус деворларини йиқитдилар. 9 Қўриқчилар сардори Набизарадон шаҳарда қолган бутун халқни, Бобил шоҳи томонга ўтган қочоқларни Бобилга асир қилиб олиб кетди. 10 У Яҳудо юртида ҳеч вақоси бўлмаган қашшоқ одамларнигина қолдирди. Ўша одамларга дала ва узумзорларни берди.

Еремиё озод бўлади

11 Шоҳ Навухадназар қўриқчилар сардори Набизарадон орқали Еремиёга оид қуйидаги амрни берди: 12 “Еремиёни қарамоғингизга олиб, унга яхши қаранглар. Асло зарар етказманглар, сизлардан нима сўраса бажаринглар.” 13 Қўриқчилар сардори Набизарадон, бош назоратчи Навушазбон, шоҳ маслаҳатчиси Наргал–Шаразар ва Бобил шоҳининг ҳамма бош амалдорлари одам юбориб, унга: 14 “Еремиёни қўриқчилар ҳовлисидан олиб кел”, деб буюрдилар. Уни эсон–омон уйига элтиб қўйиш учун Гадалиёга топширдилар. Гадалиё Охихамнинг ўғли, Шофонинг невараси эди. Шундай қилиб, Еремиё ўз халқининг орасида қолди.

Обидмалек

15 Еремиё соқчилар ҳовлисида қамоқда ўтирганда, унга Эгамизнинг сўзи аён бўлган эди: 16 “Ҳабашистонлик* Обидмалекнинг* олдига бориб, шундай деб айт: «Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам айтмоқда: Мен айтган сўзларимни бажо қиламан. Бу шаҳарга яхшилик эмас, ёмонлик келтираман. Сен ўзинг бунинг гувоҳи бўласан. 17 Лекин ўша куни Мен сени қутқариб қоламан, — деб айтмоқда Эгамиз. — Ўзинг қўрқадиган одамларнинг қўлига сени бермайман. 18 Сени, албатта, қутқараман, жангда ҳалок бўлмайсан. Менга умид боғлаганинг учун жонинг омон бўлади, — деб айтмоқда Эгамиз.»”

40–БОБ

Еремиё Гадалиё билан қолади

1 Қўриқчилар сардори Набизарадон Еремиёни Бобилга олиб кетилаётган Қуддус ва Яҳудо асирлари орасидан занжирбанд ҳолда топиб олиб, уни Рама шаҳрида* озод қилди. Шундан сўнг Еремиёга Эгамизнинг сўзи аён бўлди.
2 Қўриқчилар сардори Набизарадон Еремиёни ёнига чақириб шундай деди: “Эгангиз Худо, бу юртга фалокат келтираман, деб айтган эди. 3 Мана, ҳозирги кунда Эгангиз айтганини қилиб, юртингизга фалокат келтирди, чунки сизлар Эгангизга қарши гуноҳ қилдингизлар, Унинг айтганини қилмадингизлар. Шу сабабдан бундай кулфат бошингизга тушди. 4 Ҳозир мен қўлингдаги кишанларни ечаман, сени озод қиламан. Агар мен билан Бобилга бормоқчи бўлсанг, марҳамат, сенга яхши қарайман. Борди–ю, Бобилга боришни истамасанг, ихтиёринг ўзингда. Мана, бутун юрт сенинг рўпарангда турибди, хоҳлаган ерингга боравер. 5 Бу

юртда қоладиган бўлсанг*, Охихам ўғли Гадалиёнинг олдига бор. Бобил шоҳи Гадалиёни Яҳудо шаҳарларига ҳоким қилиб тайинлади. Гадалиё Шофон деган одамнинг неварасидир. Сен унинг ёнида қолиб, халқинг орасида яшашинг мумкин ёки хоҳлаган жойингга боришинг мумкин.” Қўриқчилар сардори Еремиёга егулик билан совға бериб, уни озод қилди. 6 Еремиё Миспах шаҳрига* — Охихам ўғли Гадалиёнинг олдига бориб, юртда қолган одамлар орасида ўрнашди.

Яҳудо ҳокими Гадалиё

7 Баъзи яҳудий лашкарбошилари ва жангчилар таслим бўлмаган эдилар. Охихам ўғли Гадалиёни Бобил шоҳи юртга ҳоким қилиб тайинлаганини, юртда қолган энг қашшоқ эркак, аёллар ва болаларни Гадалиёнинг ихтиёрига топширганини улар эшитдилар. 8 Сўнг Миспахга келиб, Гадалиёга учрашдилар. Келганлар — Натаниё ўғли Исмоил, Кариёх ўғли Йўханон, Танхумат ўғли Сараё, Натуфолик Эфайнинг ўғиллари, Махолик Язаниё* ва уларнинг одамлари эди. 9 Гадалиё келганларга шундай деб онт ичди: “Бобилликларга* тобе бўлишдан қўрқманглар. Юртда ўрнашиб, Бобил шоҳига хизмат қилаверинглар, шунда ҳаммаси яхши бўлади. 10 Мен эса Миспахда қоламан. Келадиган Бобилликларнинг олдида вакилингиз бўламан. Сизлар ўрнашиб олган шаҳарларингизда яшайверасизлар. Меваларни йиғиштириб олинглар, шароб ва зайтун мойини тайёрлаб, ғамлаб қўйинглар.”

11 Бобил шоҳи баъзи одамларга Яҳудо юртида қолишга ижозат берганини ва Гадалиёни ҳоким қилиб тайинлаганини Мўаб, Оммон, Эдом ва бошқа юртларда яшаётган яҳудийлар ҳам эшитишди. 12 Шунда улар сургун қилинган ҳамма жойлардан Яҳудо юртига — Миспахдаги Гадалиёнинг олдига қайтиб келишди. У ердан бир талай мева йиғиштириб, кўп шароб тайёрлашди.

Гадалиёни ўлдириб кетишади

13 Бир куни Кариёх ўғли Йўханон ва қирлардаги лашкарбошилар Миспахга Гадалиёнинг олдига келиб сўрадилар:

14 — Оммон шоҳи Баалис сизни ўлдиртириш учун Натаниё ўғли Исмоилни юборганидан хабарингиз борми?

Аммо Гадалиё уларга ишонмади. 15 Шунда Йўханон ҳеч кимга билдирмай Гадалиёга деди:

— Ижозат беринг, бориб Исмоилни ўлдирай. Бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Нима учун у сизни ўлдиришига йўл қўйишимиз керак? Борди–ю, Исмоил ниятига етса, атрофингизга йиғилган барча яҳудийлар тарқалиб кетадилар, Яҳудода қолган одамларнинг боши эса балога қолади.

16 Аммо Гадалиё:

— Ундай қилма! Исмоил ҳақида айтган гапларинг ёлғон, — деди.

41–БОБ

1 Ўша йилнинг еттинчи ойида* шоҳ Зидқиёнинг* бош лашкарбошиларидан бири бўлган Натаниё ўғли Исмоил ўнта одами билан бирга Миспахга* — Охихам ўғли Гадалиёнинг ҳузурига борди. Исмоил шоҳ уруғидан бўлган Элишаманинг набираси эди. Гадалиё келганлар билан бирга дастурхон атрофида ўтириб овқатланаётганда, 2 Исмоил ва у билан келган ўнта одам қиличларини яланғочлаб, Бобил шоҳи ҳоким қилиб тайинлаб кетган Гадалиёни ўлдиришди. 3 Гадалиё билан бирга Миспахда бўлган ҳамма яҳудийларни Исмоил қиличдан ўтказди. У ердаги Бобиллик* сипоҳларни ҳам ўлдирди.

4 Эртаси куни Гадалиё ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар тарқалмай туриб,

5 Шакам, Шилў ва Самариядан* саксонта одам келди. Улар қайғудан соқолини
қирган, кийимларини йиртган, таналарини тилган эдилар*. Улар дон ва
тутатқиларни назр қилиш учун Эгамизнинг уйига кетаётган эдилар. 6 Натаниё
ўғли Исмоил уларни кутиб олиш учун Миспахдан йиғлаб чиқди. Уларга
яқинлашгач: “Қани, ичкарига, Гадалиёнинг олдига киринглар”, деди. 7-9 Улар
шаҳарга киришлари биланоқ, Исмоил билан унинг одамлари уларни ҳам қириб
ташладилар. Аммо келганлардан ўнтаси Исмоилга ёлвориб деди: “Илтимос, бизни
ўлдирма! Далаларда яшириб қўйган буғдой, арпа, зайтун мойи ва асалимиз бор.”
Исмоил уларни ўлдирмай, ҳаётларини сақлаб қолди. Ўлдирган одамларнинг
жасадларини эса катта сардобага ташлади*. Жасадларга тўлган бу сардобани
Яҳудо шоҳи Осо Исроил шоҳи Башо ҳужум қилган пайтда қурдирган эди*.
10 Исмоил Миспахда омон қолган ҳамма одамларни асир қилиб олди. Бобиллик
қўриқчилар сардори Набизарадон Миспахдаги ҳамма одамларни уларнинг
орасидаги маликаларга қўшиб, Гадалиёнинг ихтиёрига топширган эди. Исмоил
уларнинг ҳаммасини асир қилиб, Оммон юртига* жўнади.
11 Натаниё ўғли Исмоилнинг қилган жиноятлари ҳақида Кариёх ўғли Йўханон
ва лашкарбошилар хабар топдилар. 12 Улар бор одамларини тўплаб, Исмоил билан
жанг қилиш учун йўлга тушдилар. Улар Исмоилга Гивондаги* катта ҳовуз бўйида
етиб олдилар. 13 Исмоилнинг асирлари Йўханонни ва унинг ёнидаги ҳамма
лашкарбошиларни кўриб, хурсанд бўлиб кетишди. 14 Исмоил Миспахдан асир
қилиб олган ўша одамларнинг ҳаммаси орқага — Йўханоннинг олдига югуриб
келишди. 15 Исмоил эса саккизта одами билан Йўханондан қочиб, Оммон юртига
кетди. 16 Шундай қилиб, Йўханон ва унинг лашкарбошилари Миспахдаги фожиада
омон қолган аёлу бола–чақаларни, сарой амалдориларию жангчиларни
Гадалиёнинг қотили Исмоилнинг қўлидан озод қилдилар. Уларни ўзлари билан
Гивондан олиб кетдилар. 17-18 Йўханон одамлари билан Бобилликлардан
қўрққанлари учун Мисрга йўл олдилар. Чунки Бобил шоҳи юртга ҳоким қилиб
тайинлаган Гадалиёни Исмоил ўлдирган эди. Сўнг ҳаммаси йўлда Байтлаҳм
ёнидаги Химам қўнолғасида тўхтадилар.

42–БОБ

Халқ Еремиёдан ибодат қилишини сўрайди

1 Ҳамма лашкарбошилар, Кариёх ўғли Йўханон, Ҳўшайё ўғли Озариё* ва
каттаю кичик одам 2 Еремиёнинг олдига бориб, шундай дедилар:
— Илтимос, бир оғиз гапимизга қулоқ солинг. Эгангиз Худога биз учун ибодат
қилинг, тирик қолганлар учун сўранг. Ўзингиз кўриб турибсиз, илгарилари биз
ниҳоятда кўпчилик эдик, энди эса саноқли одам қолдик. 3 Биз қаерга
боришимизни, нима қилишимизни Эгангиз Худо бизга кўрсатсин.
4 Еремиё пайғамбар уларга шундай жавоб берди:
— Яхши, илтимосингизга биноан Эгамиз Худога ибодат қиламан. Эгамиз
нимаики деса ҳаммасини сизларга айтаман, ҳеч нарсани сизлардан яширмайман.
5 Улар эса Еремиёга шундай дедилар:
— Агар биз Эгангиз Худонинг сиз орқали айтган биронта сўзига риоя
қилмасак, Унинг Ўзи орамизда адолатли ва садоқатли шоҳид бўлсин. 6 Биз Эгамиз
Худонинг ҳамма амрларига, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, итоат
қиламиз. Эгамиз Худога итоат қилсак, ҳаммаси яхши бўлади.

Еремиёнинг ибодатига Эгамиз жавоб беради

7 Орадан ўн кун ўтди. Еремиёга Эгамизнинг сўзи аён бўлди. 8 Еремиё Кариёх

ўғли Йўханонни, лашкарбошиларни ва одамларнинг каттаю кичигини тўплаб,
9 уларга шундай деди: “Мен илтимосингизга биноан Исроил халқининг Худоси —
Эгамизга илтижо қилдим. У менга шундай деди: 10 «Энди шу юртда
қолсангизларгина Мен сизларни барбод қилмайман, балки қайта бунёд этаман,
қўпориб ташламайман, балки мустаҳкам ўрнаштираман. Сизларнинг бошингизга
фалокат келтирганимдан пушаймонман. 11 Бундан буён Бобил шоҳидан
қўрқманглар, — деб айтмоқда Эгамиз. — Мен сизлар билан биргаман. Шундай
экан, ундан қўрқманглар. Ўзим сизларни қутқараман, унинг қўлидан озод
қиламан. 12 Мен сизларга раҳм–шафқат қиламан. Бобил шоҳи сизларга ачиниб,
она юртингизга ўрнаштиради.»
13 Аммо Эгангиз Худога бўйсунмай: «Бу ерда қолмаймиз. 14 Мисрга кетамиз, у
ерда уруш кўрмаймиз, бурғу садоларини эшитмаймиз, нонга зор бўлмаймиз, у
ерда яшаймиз», деб айтадиган бўлсангизлар, 15 эй Яҳудо халқининг омон
қолганлари, Эгамизнинг сўзини эшитиб қўйинглар! Исроил халқининг Худоси —
Сарвари Олам шундай демоқда: «Агар сизлар Мисрга бориб, у ерда ўрнашиб
олишга қарор қилган бўлсангизлар, 16 ўша ерга борганингизда ўзларингиз
қўрқаётган урушга дуч келасизлар. Сизлар очарчиликдан қўрқяпсизлар, аммо
очарчилик кетингиздан Мисрга эргашиб боради, у ерда нобуд бўласизлар.
17 Мисрга бориб, у ерда ўрнашиб олишга жазм қилган ҳар бир киши қиличдан,
очарчилик ва ўлатдан нобуд бўлади. Ундай одамлардан биронтаси ҳам тирик
қолмайди, Мен уларнинг бошларига келтирадиган кулфатдан ҳеч ким қочиб
қутулмайди.» 18 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда:
«Агар сизлар Мисрга боргудек бўлсангизлар, Мен Қуддус аҳолисига ёғдирган
қаҳримни Мисрда сизларнинг устингизга ёғдираман. Аҳволингизни одамлар
кўрганда даҳшатга тушади. Сизларни мазах қилиб, номингизни қарғишларда
ишлатишади. Сизлар бу юртни бошқа ҳеч қачон кўрмайсизлар.»
19 Эй Яҳудо халқининг омон қолганлари, Эгамиз сизларга, Мисрга бормanглар,
деб айтди. Билиб қўйинглар, бугун мен сизларни огоҳлантириб қўйяпман,
20 сизлар катта хато қиляпсизлар. Ўзларингиз мени Эгангиз Худонинг олдига
жўнатиб: «Илтимос, Эгамиз Худога илтижо қил, Эгамиз Худо нима деса,
ҳаммасини қиламиз», деган эдингизлар. 21 Эгангиз Худонинг менга айтган ҳамма
сўзларини бугун сизларга айтдим, аммо сизлар Унинг айтган биронта сўзига
итоат қилишни хоҳламаяпсизлар. 22 Сизларга айтиб қўяй: бормоқчи бўлаётган
жойингизда сизлар қиличдан, очарчилик ва ўлатдан нобуд бўласизлар.”

43–БОБ

Еремиёни Мисрга олиб кетишади

1 Еремиё Эгаси Худо ўзига аён қилган бу сўзларнинг ҳаммасини бутун халққа
айтиб бўлгач, 2 Ҳўшайё ўғли Озариё, Кариёх ўғли Йўханон ва бошқа сурбетлар
Еремиёга шундай дедилар:
— Ёлғон гапиряпсан! Эгамиз Худо сенга, Мисрга бориб яшаманглар, деб
айтмаган. 3 Нериё ўғли Борух сени бизга қарши гижгижлаб юрибди. У бизни
Бобилликларнинг* қўлига тушириб, ҳалок қилмоқчи ёки сургун қилиб
юбормоқчи.
4 Шундай қилиб, Кариёх ўғли Йўханон, лашкарбошилар ва бутун халқ
Эгамизнинг амрига итоат қилмадилар, улар Яҳудо юртида қолишдан бош
тортдилар. 5 Яҳудога турли юртлардан қайтиб келган ҳамма одамларни Йўханон
ва лашкарбошилар ўзлари билан олиб кетдилар. 6 Булардан ташқари, қўриқчилар

сардори Набизарадон Охихам ўғли Гадалиё ёнида қолдириб кетган ҳамма эркагу аёлларни, бола–чақа, маликалар, Еремиё пайғамбар ва Нериё ўғли Борухни ҳам улар ўзлари билан олиб кетдилар. 7 Улар Эгамизнинг амрига итоат қилмай, Мисрга жўнаб, Тахпанхас шаҳрига етиб бордилар.

8 Тахпанхасда Еремиёга Эгамизнинг қуйидаги сўзи аён бўлди:
9 “Яҳудийларнинг кўзи олдида катта тошларни ол. Бу тошларни Тахпанхас шаҳридаги фиръавн саройининг кираверишига, ҳовлидаги ғишт йўлаги остига кўмиб қўй. 10 Сўнг яҳудийларга шундай деб айт: «Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам демоқда: Мен Бобил шоҳи қулим Навухадназарни* бу ерга олиб келаман. У мана шу кўмилган тошларнинг устига тахтини ўрнатиб, шоҳона чодирини тикади. 11 У келганда Мисрни вайрон қилади, ҳар бир одам пешанасидагини кўради:

Баъзилар ўлатга йўлиқиб, нобуд бўлади,
Баъзилар асирликка тушиб, сургун қилинади,
Баъзилар қиличдан ўтказилади.

12 Менинг амрим билан Навухадназар Миср худоларининг саждагоҳларига ўт қўяди. Баъзи бутларини ёндиради, баъзиларини ўзи билан олиб кетади. Қўйчивон тўнини бит–бургадан астойдил тозалагандай, Навухадназар ҳам Миср юртини қиртишлаб тозалайди. Сўнг соғ–саломат ўз юртига қайтиб кетади. 13 У Мисрдаги Қуёш саждагоҳига* ўрнатилган бутсимон тошларни бузиб ташлайди. Миср худоларининг саждагоҳларини ёқиб юборади.»”

44–БОБ

Эгамиз Мисрдаги яҳудийларга танбеҳ беради

1 Мисрнинг шимолидаги Мигдол, Тахпанхас ва Нуф шаҳарларида*, шунингдек, Мисрнинг жанубида* истиқомат қилаётган яҳудийлар тўғрисида Еремиёга Эгамиз шу сўзини аён қилди. 2 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: “Мен Қуддус ва Яҳудонинг ҳамма шаҳарларига келтирган барча фалокатларни сизлар ўз кўзингиз билан кўрдингизлар. Ўша шаҳарлар ҳозир хароб бўлиб, ҳувиллаб ётибди. 3 Яҳудо одамлари қабиҳ ишлари билан Мени ғазаблантирдилар. Улар бегона худоларга сиғиниб, қурбонликлар куйдирдилар. Бу бегона худоларни на уларнинг ўзлари, на сизлар, на ота–боболарингиз биладилар. 4 Мен Яҳудо халқи олдига пайғамбар қулларимни қайта–қайта жўнатдим. «Мен нафратланадиган жирканч ишларингизни қилманглар», деб халқимдан ўтинган эдим. 5 Аммо Яҳудо халқи қулоқ солмади, гапларимга эътибор ҳам бермади. Қабиҳликларидан қайтмади, бегона худоларга қурбонликлар қилишда давом этди. 6 Шунда аччиқ ғазабим Яҳудо шаҳарлари билан Қуддус кўчаларига ловуллаган олов бўлиб тушди. Ҳозир ўша жойлар ҳувиллаб, ташландиқ бўлиб ётибди.”

7 Энди Исроил халқининг Худоси, Парвардигори Олам — Эгамиз шундай демоқда: “Нега ўз бошингизга бундай фалокат келтирмоқчисизлар?! Яҳудо юртидан келган эркагу аёл, бола–чақанинг бошига етиб, ҳаммангиз битта қолмай қирилиб кетмоқчимисизлар?! 8 Сизлар Мисрда ўрнашиб олиб, бегона худоларга қурбонликлар қиляпсизлар. Қилмишларингиз билан жаҳлимни чиқаряпсизлар. Эҳтиёт бўлинглар, яна бошингизга балою офат орттириб олманглар. Дунё халқларининг қарғишига қолиб, ҳаммага кулги бўлиб қолманглар. 9 Яҳудо шаҳарларида ва Қуддус кўчаларида қилган қабиҳликларингизни унутдингизми?!

Буларни ота–боболарингиз, Яҳудо шоҳларию маликалари, ўзларингиз ва хотинларингиз қилгансизлар–ку! 10 Мана бугунгача сизлар Мендан заррача ҳам қўрқмадингизлар, афсус–надомат қилмадингизлар. Сизлар ота–боболарингизга берган қонун–қоидаларим бўйича яшамаяпсизлар.”

11 Шунинг учун Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам демоқда: “Мен бошингизга офату фалокат келтираман. Яҳудо халқини йўқ қилишга қатъий қарор қилдим. 12 Мисрда яшашга қарор қилган яҳудийларнинг омон қолганларини ҳалок этаман. Ҳаммаси Мисрда ўлиб кетади. Каттаю кичиги қилич ва қаҳатчиликдан нобуд бўлади. Уларнинг аҳволини кўрганлар ваҳимага тушади. Уларни мазах қилиб, номини қарғишларда ишлатишади. 13 Мисрда яшаган ўшаларни, Мен Қуддусни жазолагандай, уруш, қаҳатчилик ва ўлат ила жазолайман. 14 Мисрда яшайман, деб келган яҳудийларнинг омон қолганларидан биронтаси қочиб қутула олмайди. Улардан ҳеч ким тирик қолмайди, Яҳудо юртига қайтиб боролмайди. Ўз юртига қайтиб боришни орзу қилган одамлардан фақатгина бир–икки қочоқ она юртига қайтиб боришга муваффақ бўлади, холос.”

15 Хотинлари бошқа худоларга қурбонлик келтирганини билган эркаклар, ўша ерда турган аёллар — Мисрнинг шимолий ва жанубий ҳудудида* яшаётган яҳудийларнинг кўпчилиги бир овоздан Еремиёга шундай дедилар: 16 “Сен Эгамизнинг номидан бизга башорат қилиб айтган сўзларингга қулоқ солмаймиз. 17 Биз само қироличасига* қурбонликлар қиламиз, шароб назрини келтирамиз, деб онт ичганмиз, бу онтимиздан қайтмаймиз. Биз ўзларимиз, ота–боболаримиз, шоҳларимиз, аъёнларимиз Яҳудо шаҳарларида, Қуддус кўчаларида нима қилган бўлсак, шуни қилаверамиз. Нега десангиз, ўша замонларда биз истаганимизча нон ердик, турмушимиз фаровон эди, ғам чекмас эдик. 18 Аммо само қироличасига қурбонликлар қилишни ва шароб назрини келтиришни тўхтатганимиздан бери етишмовчиликдан бошимиз чиқмайди. Қанча одамларимиз очарчиликдан ўлиб, урушда қирилиб кетди.” 19 Хотинлар ҳам шундай деб айтдилар: “Биз само қироличасига қурбонликлар қилаверамиз, шароб назрларини келтираверамиз! Само қироличасига шароб назр қилишимизни, унинг шаклида нонлар ёпишимизни эрларимиз билади–ку!”

20 Сўнг Еремиё бундай жавоб берган эркагу аёлларга ва бутун халойиққа деди: 21 “Сизлар, ота–боболарингиз, шоҳларингиз, аъёнларингиз, бутун юрт халқи Яҳудода ва Қуддус кўчаларида бошқа худоларга назрлар келтирган эдингизлар. Бу назрларингизни Эгамиз унутган, дейсизми?! Ёки Унинг бундан хабари йўқ, деб ўйлайсизми?! 22 Эгамиз ёвуз қилмишларингизга, жирканч ишларингизга ортиқ тоқат қила олмагани учун ҳозир юртингиз ҳувиллаб, ташландиқ бўлиб ётибди. Одамлар юртингизнинг номини қарғишларда ишлатишмоқда. 23 Ахир, сизлар бегона худоларга қурбонликлар келтириб, Эгамизга қарши гуноҳ қилдингизлар. Эгамизга итоат этмадингизлар, Унинг қонун–қоидаларини ва шартларини бажармадингизлар. Шунинг учун бу кўргилик бошингизга келди. Шуларнинг оқибатида ҳозир бу аҳволга тушиб ўтирибсизлар.”

24 Еремиё уларнинг ҳаммасига, айниқса, хотинларга қарата шундай деди: “Эй Миср юртидаги яҳудийлар, Эгамизнинг сўзини эшитинглар. 25 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам демоқда: «Сизлар хотинларингиз билан бирга: ‘Само қироличасига албатта қурбонликлар қиламиз, шароб назрларини келтирамиз’, деб онт ичибсизлар. Онтингизни ҳам бажарибсизлар. Жуда соз, айтганингизни қилаверинглар! Ичган онтингиздан асло қайтманглар! 26 Лекин, эй Миср юртида яшаб юрган яҳудийлар, Эгангизнинг шу сўзини эшитиб қўйинглар: Мен Ўзимнинг буюк номим билан онт ичиб айтаманки, бундан буён Миср юртидаги биронта

яҳудий Менинг номимни тилга олмайди, ‘Эгам Раббий шоҳид’, дея онт ичмайди.
27 Мен уларнинг бошига яхшилик эмас, ёмонлик келтираман. Мисрдаги
яҳудийларнинг ҳаммаси, битта ҳам қолмай қиличдан ва очарчиликдан нобуд
бўлишади. 28 Бир–иккитагина одам қирғиндан қочиб, Мисрдан Яҳудога қайтиб
боради. Ўшанда Мисрга яшагани борган яҳудийларнинг ҳаммаси кимнинг сўзи
ҳақ бўлиб чиққанини билишади. Менинг сўзим ҳақмикан ёки уларники?»
29 Эгамиз шундай демоқда: «Мен сизларни мана шу ерда жазолайман.
Айтганларимнинг ҳаммаси бажо бўлишига ишонч ҳосил қилишингиз учун
сизларга шундай бир аломат бераман: 30 Мен Яҳудо шоҳи Зидқиёни* унинг
ашаддий душмани бўлган Бобил шоҳи Навухадназарга* таслим қилганимдай,
Миср фиръавни Хофрани* ҳам унинг жонига қасд қилаётган душманига таслим
қилиб бераман.» Эгамизнинг каломи шудир.”

45–БОБ

Худо Борухга ваъда беради

1 Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йили* эди.
Еремиё юқоридаги сўзларни Нериё ўғли Борухга айтиб, ўрама қоғозга*
ёздиргандан сўнг*, унга шундай деди:
2-4 — Эй Борух, Исроил халқининг Худоси — Эгамиз сенга шундай гапларни
айтиб қўйишимни буюрди: сен: “Шўрим қурсин! Эгам қайғу устига қайғу
орттирди, юрак–бағрим эзилиб кетди, жонимни қўярга жой тополмаяпман”, деб
айтган экансан. Шунинг учун Эгамиз сенга айтмоқда: “Мен бутун юрт бўйлаб
бунёд қилган ҳамма нарсамни бузиб ташлайман, мустаҳкам қилиб
ўрнатганларимни қўпориб ташлайман. 5 Сен ўзинг учун катта режалар тузма!
Мана, Мен барча одамзоднинг бошига кулфат ёғдираман. Аммо сенинг жонингни
сақлаб қоламан, борган жойингда сени асрайман.” Эгамизнинг каломи шудир.

46–БОБ

Миср лашкари Кархамишда мағлуб бўлади

1 Эгамиз халқлар ҳақида Еремиёга Ўз сўзини аён қилди.

2 Бу Миср ҳақида башорат эди. Аниқроғи, Миср фиръавни Нехонинг* лашкари
тўғрисида эди. Улар Фурот дарёси бўйидаги Кархамиш шаҳрида қароргоҳ қурган
эдилар. (Яҳудо шоҳи Йўшиё ўғли Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йилида*
Бобил шоҳи Навухадназар* бу лашкарни мағлуб қилди.)

3 Эгамиз шундай дейди:
“Каттаю кичик қалқонларни тайёр тутинг!
Қани, энди жангга киринг!
4 Отларга эгар уринг,
Чопқир отларга мининг!
Дубулғаларни кийиб олинг,
Жанговар ҳолатда туринг.
Найзаларни ўткирланг,
Совутларни кийиб олинг!

5 Аммо нималарни кўряпман?!
Миср лашкари ваҳимага тушди,

Улар орқага чекинди,
Жангчилари тор–мор бўлди.
Улар орқага қарамай шошилиб қочдилар.
Атрофни даҳшат қамради,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
6 Чаққонлар қоча олмайдилар,
Сипоҳлар қочиб қутулолмайдилар.
Улар шимолда, Фурот дарёси бўйида
Қоқилиб йиқилиб тушадилар.”

7 Ким у Нил дарёсидай қирғоғидан чиқиб кетган?!
Ким у сувлари тошқин дарё каби бўлиб қолган?!
8 Миср Нилдай ҳаддидан ошган,
Сувлари тошқин дарёга ўхшаб қолган.
Миср айтади:
“Мен кўтарилиб, ер юзини қоплайман,
Шаҳарларни вайрон қиламан,
Аҳолисини қириб ташлайман.”
9 Эй отлиқлар, ҳужум қилинг!
Жанг араваларини учиртиринг!
Эй қалқон тутган Ҳабашистонликлару* Ливияликлар*,
Эй камон ушлаган Лидияликлар*,
Қани, жангга киринг!
10 Ахир, бу Сарвари Олам — Раббийнинг кунидир.
Бу кун қасос куни бўлади,
Худо душманларидан ўч олади.
Унинг қиличи тўйгунча эт ейди,
Чанқоғи босилгунча қондан ичади.
Ўша куни Фурот бўйидаги шимолий юртда,
Сарвари Олам — Раббий ёвларини қурбон қилади.

11 Эй бокира қиз* Миср,
Гиладга* бор, малҳам олгин.
Аммо сен бекорга дори–дармон йиғасан,
Барибир дардингга шифо топмайсан.
12 Халқлар шарманда бўлганингни эшитди,
Ер юзи доду фарёдларингга тўлиб кетди.
Жангчиларинг бир–бирига урилди,
Ҳаммаси мағлуб бўлиб йиқилди.

Навухадназар Мисрга ҳужум қилади

13 Бобил шоҳи Навухадназар Мисрга ҳужум қилиши ҳақида Еремиёга Эгамизнинг қуйидаги сўзи аён бўлди:

14 Мисрда шундай деб эълон қилгин,
Мигдол шаҳрида шундай деб хабар бергин,
Нуф ва Тахпанхас шаҳарларида* жар солиб айтгин:
“Жойларингизни эгалланг!
Жангга шай туринг!
Зеро, қилич атрофдаги ҳаммани қиради.”

15 Жангчиларингиз мағлуб бўлади!
Улар бардош бера олмайди.
Зеро, Эгамизнинг Ўзи уларни уради*.
16 Улар қайта–қайта қоқиладилар*,
Бир–бирининг устига йиқиладилар.
Шунда ўзларига ўзлари айтадилар:
“Қани, бўлинглар,
Халқимизнинг олдига қочиб қолайлик!
Киндик қонимиз тўкилган юртга борайлик.
Бу қирғиндан қочиб қутулайлик.”
17 Улар шундай деб бақирадилар:
“Фиръавн катта гапирди,
Аммо фурсатни қўлдан бой берди.”

18 Худо Шоҳдир,
Сарвари Оламдир Унинг номи.
У шундай демоқда:
“Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи айтаманки,
Сизларга қарши бир ғаним келаётир.
У тоғлар орасидаги Товур тоғидай забардаст,
Денгиз бўйидаги Кармил тоғидай* улкан.
19 Эй қиз Миср, тугунингни тайёрлагин,
Сургунга кетишга ҳозирлангин!
Ахир, пойтахтинг Нуф вайрон бўлади,
Кимсасиз, ҳувиллаб қолади.

20 Миср чиройли бир ғунажинга ўхшайди,
Аммо шимол сўнаси* унга ёпирилади.
21 Мисрнинг ёлланма аскарлари
Боқилган бузоқларга ўхшайди.
Аммо кулфат куни келганда,
Жазо оладиган вақти етганда,
Уларнинг ҳаммаси орқага қочади,
Душман қаршисида чекинади.

22 Бостириб келаётган душман дастидан
Миср қочаётган илондай вишиллайди.
Душманлар дарахт кесувчилар каби,
Болта кўтариб, Мисрга ҳужум қилишади.
23 Мисрнинг ўрмони қалин бўлса–да,
Душманлар уни кесиб ташлайди,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Ахир, душманлар чигирткадан* ҳам кўп,
Саноғига етиб бўлмайди.
24 Қиз Миср шарманда бўлади,
Шимолдаги халқнинг* қўлига тушади.”

25 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: “Мен Нў* шаҳрининг худоси Омонни* жазолайман. Фиръавннинг, Мисрнинг, у ердаги шоҳлар ва худоларнинг, фиръавнга умид боғлаган ҳамманинг адабини бераман.

26 Уларнинг жонларига қасд қилаётган Бобил шоҳи Навухадназарнинг ва
аъёнларининг қўлига бераман. Аммо вақт ўтиб, Мисрда илгаригидек одамлар
яшайдиган бўлади.” Эгамизнинг каломи шудир.

Эгамиз Ўз халқини қутқаради

27 “Эй қулим Ёқуб, қўрқма!
Эй Исроил* халқи, саросимага тушма!
Мен сени олис юртдан озод қиламан,
Наслингни сургун бўлган мамлакатдан қутқараман.
Эй Ёқуб насли, сен юртингга қайтасан,
Осойишта ва бехатар яшайсан.
Энди ҳеч ким сени қўрқитмайди.
28 Сен, эй қулим Ёқуб, қўрқма,
Мен сен билан бирга бўламан,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Сени халқлар орасига тарқатиб юборган эдим,
Энди ўша халқларнинг ҳаммасини қириб ташлайман.
Сени эса қириб юбормайман,
Аммо жазосиз ҳам қолдирмайман.
Адолат ила жазоингни бераман.”

47–БОБ

Филист халқининг тақдири

1 Фиръавн Ғазо шаҳрига* ҳужум қилишидан олдин, Филист халқи ҳақида
Эгамизнинг шу сўзлари Еремиёга аён бўлди:

2 Эгамиз айтмоқда:
“Қаранг, шимолда душманлар тўпланмоқда,
Улар тўлқинлар каби, пишқириб келмоқда.
Жўшқин дарё каби, тошиб ҳовлиқмоқда.
Улар тўфондай бутун юртни босиб кетади,
У ердаги ҳаммани —
Шаҳарлар ва одамларни чўктиради.
Халқ доду фарёд қилади,
Юрт аҳолиси фиғон чекади.
3 От туёқлари дупур–дупур уради,
Аравалар тарақ–туруқ қилади,
Ғилдираклар гурсиллайди.
Эркаклар ичидан зил кетадилар.
Ҳатто болаларини қутқаргани ҳам
Улар орқага қайтмайдилар.”

4 Ҳа, ўша кун келади,
Филист халқи қириб ташланади!
Омон қолган иттифоқчилари йўқ қилинади.
Тир ва Сидон* шаҳарларига ёрдам келмайди,
Хафтўр* соҳилларидан келган Филистларни
Эгамизнинг Ўзи йўқ қилади.
5 Ғазо аҳолиси қайғудан сочларини қирдиради,

Ашқалон* одамларининг дами ичига тушиб кетади.
Эй Филист забардастларининг омон қолганлари!*
Қачонгача ғам чекиб, баданингизни тиласиз?!*

6 Филист халқи шундай деб ёлворади:
“Шўримиз қурсин! Эй Эгамизнинг қиличи!
Қачон тиниб–тинчийсан сен?!
Бўлди етар, тинчлана қол!
Қинингга кир, дамингни ол!”

7 Эвоҳ, Эгамизнинг Ўзи амр этган бўлса,
Қандай дам олсин у қилич?!
“Ашқалон шаҳрига ва соҳилга ҳужум қил” деган бўлса,
Қандай тинчлансин у қилич?!

48–БОБ

Мўабнинг тақдири

1 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам Мўаб* ҳақида шундай демоқда:

“Наво аҳолисининг ҳолига вой!
Уларнинг шаҳри хароб бўлади.
Хиратайим* шармандаларча мағлуб бўлади,
Унинг қалъаси* уятга қолади,
Ер билан яксон қилинади.
2 Мўабнинг довруғидан асар ҳам қолмайди.
Душман Хашбон шаҳрини қўлга киритади,
Мўаб халқини илдизидан қуритишни режа қилади.
Мадмон* шаҳрида сукунат ҳукм суради,
Қилич унинг изига тушади.

3 Ана, Хўронайимдан* фарёд эшитилмоқда!
«Хонавайрон бўлдик!» дея хитоб қилишмоқда.
4 «Мўаб вайрон бўлди–ку!» дея додлашмоқда.
Гўдаклари биғиллаб йиғламоқда.
5 Одамлар аччиқ–аччиқ йиғлаб,
Лухит тепалигига чиқишади.
Ҳатто Хўронайимга тушиш йўлида
Аччиқ фиғон овозлари эшитилади.
6 Тезроқ қочинг!
Чўлдаги юлғундай
Жонингизни сақлаб қолишга тиришинг!

7 Эй Мўаб, сен куч ва бойлигингга таяндинг,
Энди эса мағлуб бўласан.
Худойинг Хамўш сургун қилинади,
Руҳонийларингу аъёнларинг асир қилиб олиб кетилади.
8 Сенинг ҳар бир шаҳрингга вайрон этувчи келади,
Бирорта шаҳринг омон қолмайди.
Водий вайрон қилинади,

Ясси тепалик яксон этилади.”
Эгамизнинг каломи шудир.

9 Мўаб учун қабр тоши тайёрланг,
Кўп ўтмай Мўаб йўқ бўлади*.
Шаҳарлари вайрон қилинади,
Ҳаммаси ҳувиллаб қолади.

10 Эгамизнинг ишидан бўйин товлаган киши лаънати бўлсин! Қон тўкишдан ўзини тийган бундай киши лаънати бўлсин!

Мўаб шаҳарлари вайрон бўлади

11 “Мўаб ёшлигидан бехатар ўсган,
Тиндирилган шароб каби тинч яшаган.
Гўё бир идишдан бошқасига қуйилмаган,
Ҳеч қачон ўз юртидан сургун бўлмаган.
Шу боис унинг таъми ўзгармаган,
Муаттар ҳиди сақланиб қолган.
12 Аммо шундай кунлар келмоқдаки,
Мен Мўабга қарши одамларни жўнатаман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Улар Мўабни шароб тўккандай тўкиб ташлайдилар.
Идишларини бўшатиб, чилпарчин қиладилар.
13 Мўаб халқи ўз худоси Хамўш дастидан шарманда бўлади,
Исроил халқининг ҳолига тушади.
Ахир, Исроил ҳам Байтилдаги бузоққа* инониб,
Шармандаи шармисор бўлган эди–ку!”

14 “Биз қаҳрамонлармиз,
Жасур жангчилармиз”, деб
Айтишга қандай ҳаддингиз сиғди?
15 Худо Шоҳдир,
Сарвари Оламдир Унинг номи.
У шундай демоқда:
“Мўаб вайрон бўлади,
Шаҳарлари босиб олинади.
Энг сара йигитлари қириб ташланади.
16 Мўабга кулфат яқинлашмоқда,
Фалокат унга елдай учиб келмоқда.
17 Эй Мўаб қўшнилари, қайғуринглар,
Эй Мўабни таниганлар, мотам тутинглар.
Айтинглар: «Эвоҳ, салтанат ҳассаси* синди.
Қудратли ва улуғвор ҳасса парчаланди.»

18 Эй Дибонда* яшайдиганлар,
Тўрдаги ўрнингиздан туринглар,
Ердаги тупроққа ўтиринглар.
Зеро, Мўабни ҳалок этувчи сизга қарши чиқади,
У қўрғонларингизни қулатади.
19 Эй Арорда* яшайдиганлар,
Кўчага чиқиб кузатиб туринглар!

Қочиб кетаётган эркагу аёллардан
«Нима бўлди?» деб сўранглар.
20 Эвоҳ, Мўаб шарманда бўлди, вайрон қилинди.
Уввос солиб, фарёд қилинглар!
Мўаб хароб бўлганини
Арнон дарёси бўйларида эълон қилинглар.

21 Мен ясси тепаликларда жойлашган ҳамма шаҳарларни: Хўлунни, Яхазни*,
Мифатни, 22 Дибонни, Навони, Байт–Диблатайимни, 23 Хиратайимни,
Байт–Гамулни, Байт–Миённи, 24 Харийўтни, Бозрахни* жазолайман. Хуллас,
узоқ–яқинда жойлашган ҳамма Мўаб шаҳарлари вайрон бўлади. 25 Мўабнинг
қудрати синади, кучи кесилади.” Эгамизнинг каломи шудир.

Мўаб шарманда бўлади

26 Ўзини Эгамиздан устун қўйган Мўабни маст* қилинглар. Ўз қусуғида ўзи
думалаб ётсин, одамларга кулги, масхара бўлсин. 27 Эй Мўаб, эсингдами, Исроил
устидан кулган эдинг! У ўғримидики, у ҳақда гапирганингда бошингни чайқаган
эдинг!

28 Эй Мўаб аҳолиси!
Шаҳарларни тарк этинг,
Қоялар орасида яшаб юраверинг.
Тоғ дарасида ин қурган кабутарлардай бўлинг.
29 Эшитганмиз Мўабнинг мағрурлигини,
Манманлиги, киборлиги, такаббурлигини!
Нақадар такаббурдир у!
Ниҳоятда гердайиб кетган!
30 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен бу халқнинг сурбетлигини биламан.
Улар беҳуда мақтанадилар.
31 Шундай экан, Мўаб учун Мен йиғлайман,
Бутун Мўаб халқи учун фарёд қиламан.
Хир–Харасот* аҳолиси учун кўз ёш тўкаман.
32 Эй Сивмо қишлоғининг узумзорлари,
Мен ҳам, Язир шаҳри сингари, сизлар учун қайғураман*.
Сизнинг новдаларингиз ўсиб кетди,
Ҳатто Ўлик денгиздан ҳам ошиб ўтди,
Шохларингиз Язир шаҳригача* етди.
Аммо ёзги мевалар ва узумларингизга
Зараркунандалар тушди.
33 Мўабнинг ҳосилдор ерларида
Шодлигу хурсандчилик барҳам топди.
Мен узум сиқиш чуқурларидаги*
Шаробни тортиб оламан.
Энди ҳеч ким шодликдан ҳайқириб узум эзмайди,
Шодон қийқириқлар энди эшитилмайди.

34 Хашбон, Элалей аҳли фарёд чекади,
Уларнинг овози Яхазгача эшитилади.
Садоси Зўвардан Хўронайимгача жаранглайди,

То Эглат–Шалишиёгача етиб боради.
Ҳатто Нимрим сувлари нобуд бўлади.
35 Мўаб саждагоҳларида* қурбонлик қилганларни ўлдираман,
Ўз худоларига атаб тутатқи тутатганларни йўқ қиламан,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
36 Қалбим най каби нола қилиб,
Мўаб учун қайғурмоқда.
Ҳа, қалбим най каби,
Хир–Харасот одамлари учун йиғламоқда.
Ахир, уларнинг йиққан бойлиги йўқ бўлди.
37 Қайғудан ҳамма сочини олдирган,
Ҳамма соқолини қириб ташлаган,
Ҳамма қўлларини тилган*,
Белларига қанор ўраб олган*.
38 Мўабдаги ҳамма томлар устида*,
Ҳамма шаҳар майдонларида
Фақат марсия айтилади.
Зотан, Мен Мўабни синдириб ташлайман,
Кераксиз идишдай чилпарчин қиламан,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
39 Мўаб чил–чил синади!
Одамлари аччиқ–аччиқ йиғлайди!
Шармандаликдан Мўаб юзини яширади!
Мўаб ҳаммага масхара бўлади,
Унинг аҳволидан қўшни халқлар ваҳимага тушади.”

Мўаб душманлардан қутула олмайди

40 Эгамиз шундай демоқда:
“Қаранглар!
Душман бургут сингари, Мўабга ҳужум қилмоқда,
Қанот кериб Мўаб узра парвоз этмоқда.
41 Мўаб шаҳарлари* энди олинади,
Қалъалари қўлга киритилади.
Ўша куни Мўаб лашкарлари ваҳимага тушади,
Улар дард тутган аёл каби бўлиб қолади.
42 Ахир, Мўаб ўзини Мендан устун қўйди,
Энди у нобуд бўлади.
43 Эй Мўаб аҳли, сизни ваҳима,
Тузоқ ва чоҳ кутмоқда!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
44 Ваҳимадан қочган чуқурга тушар,
Чуқурдан чиққан эса тузоққа илинар.
Мен Мўабнинг бошига
Жазо йилини келтираман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

45 Ҳолдан тойган қочоқлар
Хашбон шаҳри соясида тўхтайди.
Аммо олов чиқади Хашбон шаҳридан,
Аланга чиқади шоҳ Сихўннинг шаҳридан*.

Ёнғин бутун Мўаб юртини ямлаб ютади,
Исёнкор одамларнинг бошини ейди*.
46 Эй Мўаб, ҳолингга вой!
Хамўшга сиғинганлар нобуд бўлади,
Ўғил–қизларинг асирликка тушади.

47 Аммо кейинчалик
Мен Мўаб халқини яна фаровонликка эриштираман*.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Мўаб тўғрисидаги башоратлар ўз ниҳоясига етди.

49–БОБ

Эгамиз Оммон халқини ҳукм қилади

1 Эгамиз Оммон* халқи тўғрисида шундай дейди:

“Исроил тирноққа зормиди?!
Унинг меросхўри йўқмиди?!
Нимага унда Мўлахга* топинадиганлар
Гад ҳудудини эгаллаб олишди?
Нимага Оммон халқи Гад шаҳарларида яшаяпти?
2 Бу қилмишлари учун шундай кунлар келадики,
Мен Оммонликларнинг Рабба шаҳрига* қарши уруш эълон қиламан,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Рабба шаҳрини вайроналар уюмига айлантираман,
Атрофдаги қишлоқларига ўт қўяман.
Шунда Исроил халқи Оммон босқинчиларининг ерларини босиб олади,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

3 Дод сол, эй Хашбон!*
Ай шаҳри* вайрон бўлди!
Эй Рабба аҳолиси, фарёд қилинг!
Қаноргa ўраниб*, марсия айтинг,
Қайғудан баданингизни тилинг*.
Ахир, худойингиз Мўлах сургун қилинади,
Руҳонийлару аъёнларингиз асирга олиб кетилади.
4 Эй исёнкор қиз* Оммон,
Нечун кучинг билан мақтанасан?
Сенинг кучинг қирқилади!*
Сен бойлигингга ишонасан,
«Бизга ҳужум қилишга ким журъат этар?» дейсан.
5 Мен Ўзим сенга ҳар томондан даҳшат соламан,
— деб айтмоқда Сарвари Олам — Раббий. —
Ҳаммангиз тумтарақай бўлиб қочасизлар,
Қочоқларни ҳеч ким тўплай олмайди.

6 Аммо шундан сўнг
Мен Оммон халқини яна фаровонликка эриштираман*.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Эдом халқи ҳукм қилинади

7 Сарвари Олам Эдом* ҳақида шундай демоқда:

“Темонда* фаросатли киши қолмадими?
Оқилона насиҳат берадиган топилмадими?
Ақлларини моғор босдими?
8 Эй Дедонликлар*, қочинглар,
Чуқур ғорларда бекиниб олинглар!
Вақт келди Эсов наслини* жазолашга,
Фалокат келтираман унинг бошига.
9 Боғингизда узум терган одамлар
Бир–икки бош бўлса–да, узум қолдиради–ку!
Кечаси уйга тушган ўғри
Фақат хоҳлаган нарсасини олади–ку!
10 Мен эса Эсовнинг бор–йўғини тортиб оламан,
Унинг пана жойларини ошкор қиламан,
У ҳеч қаерга яширина олмайди.
Унинг болалари ҳалок бўлади,
Оға–ини, қўшнилари ўлади.
Ундан асар ҳам қолмайди.
11 Етимларингизни қолдиринг,
Уларнинг жонини асрайман.
Беваларингиз Менга иониб яшасин.”

12 Эгамиз шундай демоқда: “Айбсиз одамлар жабр тортса–ю, сен, эй Эдом, жазосиз қоласанми?! Йўқ, сен жазодан қочиб қутулолмайсан. Жазо косасидан* албатта ичасан. 13 Ўз номим билан қасам ичиб* айтаманки, Бозрах шаҳри* вайрон бўлади. Унинг аянчли аҳволи одамларни ваҳимага солади. Ўтган–кетганлар уни мазах қилиб, номини қарғишларда ишлатади. Ён–атрофидаги ҳамма шаҳарлар ҳам то абад ташландиқ бўлиб қолади.” Эгамизнинг каломи шудир.

14 Эгамиз барча халқларга жарчи юборди,
Мен, Еремиёга шундай хабар етиб келди:
“Тўпланинг! Эдомга ҳужум қилинг,
Қани, жангга отланинг!”

15 Эгамиз дейди:
“Эй Эдом, сени халқлар орасида арзимас қилиб қўяман,
Бутун одамзод сендан ҳазар қиладиган бўлади.
16 Важоҳатинг сени алдади,
Такаббурлигинг сени аҳмоқ қилди.
Сен–ку тик қояда яшайсан,
Азим чўққиларни эгаллагансан.
Бургут каби инингни баланд қурган бўлсанг ҳам,
Сени у ердан тортиб тушираман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

17-18 Эгамиз шундай демоқда: “Эдомнинг бошига тушадиган кулфатлар шу қадар даҳшатли бўладики, бу юртнинг олдидан ўтган ҳар бир киши унинг аянчли аҳволидан ваҳимага тушиб, қотиб қолади. Садўм, Ғамўра* ва уларнинг

атрофидаги шаҳарлар қандай вайрон бўлган бўлса, Эдом ҳам худди шундай вайрон бўлади. У ерда ҳеч ким яшамайди.

19 Мен, Иордан чакалакзоридаги арслондай, яйловдаги қўйларга ҳужум
қиламан. Бир зумда Эдом халқини ўз юртидан ҳайдаб чиқараман. Ўзим хоҳлаган
инсонни у ерга бош қиламан. Ахир, ким Менга тенг кела олади?! Ким Мендан
ҳисобот сўрай олади?! Қайси чўпон Менга қарши тура олади?! 20 Шундай экан,
Эдом халқига қарши тузган режаларимни эшитиб қўйинг. Темон аҳолисига
қилган ниятларимга қулоқ тутинг: йиртқичлар сурувдаги қўзичоқларни судраб
кетади. Қилмишлари дастидан ям–яшил яйловлари пайҳон бўлади. 21 Эдом
гурсиллаб қулаганда, ер юзи ларзага келади. Халқнинг доду войлари Қизил
денгизгача* эшитилади. 22 Қаранглар! Душман бургутдай Бозрахга ҳужум
қилмоқда. Қанот кериб шаҳар узра парвоз этмоқда. Ўша куни Эдом лашкари дард
тутган аёл каби ваҳимага тушади.”

Дамашқ ҳукм қилинади

23 Қуйидаги хабар Дамашқ ҳақидадир:

Эгамиз шундай дейди:
“Хомат билан Арпад аҳли* шум хабар эшитишади,
Шунинг учун улар саросимага тушади.
Юрагига тушган ғулғула босилмайди,
Жўшқин денгиз каби тинчланмайди.
24 Дамашқ мадорсиз қолади,
Орқага қочмоқчи бўлади,
Бутун вужудини ваҳима қамраб олади.
Дард тутган аёлдай азобу қийноқда қолади.
25 Эвоҳ, машҳур шаҳар тарк этилади!
Қувонч макони* ташлаб кетилади!
26 Ўша куни йигитлари майдонларда ўлади,
Ҳамма сипоҳлари ҳалок бўлади,
— деб айтмоқда Сарвари Олам. —
27 Мен Дамашқ деворларига ўт қўяман,
Олов Банҳадад қалъаларини ёндириб ташлайди.”

Кедар ва Хазор ҳукм қилинади

28 Бобил шоҳи Навухадназар* мағлуб қилган Кедар ва Хазор* шоҳликлари
ҳақида Эгамиз шундай дейди:

“Қани бўлинг, Кедарга ҳужум қилинг!
Ўша шарқ қабилаларини ҳалок этинг!
29 Қўлга киритинг чодирларию қўйларини,
Чодир пардаларию бор бисотини.
Туяларини ўзингизга олинг.
Одамлар бақиради:
«Атрофни даҳшат қамради!»

30 Эй Хазор аҳолиси!
Қочинг! Узоқларга бош олиб кетинг.
Чуқур ғорларда яшириниб олинг,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Зеро, Бобил шоҳи Навухадназар

Сизларга қарши бир режа тузди,
Сизларни ҳалок этиш ниятида юрибди.

31 Эй Бобил лашкарлари,
Қани, хотиржам бўлган халққа ҳужум қилинглар!
Бехатар яшаётганларга ташланинглар!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Улар саҳрода ёлғиз яшайдилар,
Шаҳарларининг на дарвозалари, на тамбалари бор.
32 Уларнинг туяларини ўлжа оласиз,
Мол подаларини қўлга киритасиз.
Сочини олдириб юрган* Хазорликларни
Мен тўрт томонга тарқатиб юбораман.
Уларнинг устига ҳар ёқдан кулфат ёғдираман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
33 Хазор то абад ташландиқ бўлиб қолади,
Чиябўрилар маконига айланади.
У ерда ҳеч ким яшамайди,
У жойларга ҳеч ким бориб ўрнашмайди.”

Элам ҳукм қилинади

34 Яҳудо шоҳи Зидқиё* ҳукмронлигининг илк даврида Эгамиз Еремиё пайғамбарга Элам юрти* тўғрисида Ўз сўзини аён қилди.
35 Сарвари Олам демоқда: “Мен Элам мерганларини нобуд қиламан.
Қудратининг манбаини синдираман. 36 Улар устига тўрт томондан душман соламан. Ҳаммасини ер юзининг тўрт томонига тарқатиб юбораман. Эламликлар қочиб бормаган бирон–бир юрт қолмайди.
37 Мен Эламни қасди бор душманлари қаршисида саросимага соламан.
Қайнаган ғазабимни устиларига кулфат қилиб ёғдираман, — деб айтмоқда Эгамиз. — Ортидан қилич солиб, ҳаммасини битта қолдирмай қириб ташлайман.
38 Уларнинг шоҳини аъёнлари билан бирга йўқ қиламан. Эламда Ўз тахтимни ўрнатаман.
39 Аммо кейинчалик Мен Элам халқини яна фаровонликка эриштираман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

50–БОБ

Бобил мағлуб бўлади

1 Эгамиз Бобил юрти, Бобилликларнинг* диёри хусусида Еремиё пайғамбар орқали шундай сўзларни айтди:

2 “Халқларга эълон қилинг, хабар етказинг!
Байроқ кўтариб, янгиликни айтинг.
Ҳеч нарса яширмай шундай жар солинг:
«Бобил қулайди,
Уларнинг худоси Бэл шарманда бўлади,
Худоси Мардух* парча–парча қилинади.
Бобил бутлари хор бўлади,
Санамлари синдириб ташланади.»

3 Шимолдаги бир халқ Бобил устига бостириб келади. Улар бутун юртни
вайрон қилишади. У ерда ҳеч ким яшамайдиган бўлади. Одамлар ва ҳайвонлар у
ердан қочиб кетади.”

Исроил халқи сургундан қайтиб келади

4 Эгамиз шундай демоқда: “Ўша кунлар келганда, Исроил халқи Яҳудо халқи
билан бирга кўз ёш тўкиб, Эгаси Худога интиладиган бўлади. 5 Улар юзларини
Қуддус* томон бурадилар, у ерга олиб борадиган йўлни сўраб–суриштирадилар.
Эгасига боғланиб қоладилар, У билан унутилмас, абадий бир аҳд тузадилар.
6 Менинг халқим адашган қўйларга ўхшайди. Чўпонлари уларни йўлдан
адаштириб, тоғларга ҳайдаб юбордилар. Улар тоғлару қирларда дарбадар кезиб,
оромгоҳини унутдилар. 7 Қўйларимга дуч келган одам уларни еди. Душманлар
шундай деди: «Бизнинг айбимиз йўқ. Уларнинг ўзлари Эгасига қарши гуноҳ
қилди. Эгаси улар учун асил яйловдай эди, ота–боболари Эгасига умид боғлаган
эди.»
8 Эй Исроил халқи, Бобилдан қочиб чиқинг! Бобилликларнинг юртини тарк
этинг! Сурувни бошқариб кетаётган серкадай биринчи бўлиб чиқинг. 9 Мана, Мен
шимолдаги қудратли халқларни Бобилга қарши қўзғатяпман. Улар саф тортиб,
Бобилга ҳужум қиладилар. Бобил жангда мағлуб бўлади. Душман ўқларининг
ҳаммаси тўғри нишонга тегади, уларнинг ўқлари мерганларнинг ўқларидайдир.
10 Бобил* талон–тарож қилинади, ҳамма талончилари ўлжага тўяди.” Эгамизнинг
каломи шудир.

Бобил қулайди

11 Эй Худонинг халқини талаган Бобилликлар!
Сизлар севиниб, хурсанд бўляпсизлар,
Яйловдаги бузоқдай* шодон сакраяпсизлар,
Отлар каби кишнаяпсизлар.
12 Аммо билиб қўйинг, она юртингиз хор бўлади,
Сиз туғилган юрт оёқ ости қилинади.
Юртингиз халқлар орасида арзимас бўлиб қолади,
Чўл, қақроқ ер, саҳрога айланади.
13 Эгамиз Бобилга қаҳрини сочади,
У ерда ҳеч ким яшамайди.
Бутунлай ташландиқ бўлиб қолади.
У ердан ким ўтса ёқасини ушлайди,
Бобил харобаларини кўриб қотиб қолади.
14 Эй мерганлар!
Бобил атрофига саф тортинг!
Унга қарши ўқ узинг!
Ўқингизни сира аяманг.
Ахир, Бобил Эгамизга қарши гуноҳ қилди.
15 Ҳар ёқдан Бобилга шундай деб хитоб қилинг:
“Бобил таслим бўляпти,
Истеҳкомлари йиқиляпти,
Деворлари ўпирилиб тушяпти.”
Эгамизнинг қасосидир бу.
Сизлар ҳам Бобилдан ўч олинг,
Қилмишларини ўз бошига қайтариб солинг.
16 Бобилдаги уруғ сепувчиларни йўқ қилинг,

Ўрим мавсумида ўроқчиларни ўлдиринг.
Душман қиличидан ҳамма қочсин,
У ердаги асирлар ўз халқи орасига қайтсин,
Она юртига қочиб борсин.

Исроил тикланади

17 Исроил халқи* шерлар ҳар ёққа тумтарақай қочириб юборган қўйларга
ўхшайди. Илк бор Исроилга Оссурия шоҳи* ташланган эди, Исроилнинг
суякларини эса Бобил шоҳи Навухадназар* ғажиган эди. 18 Шу сабабдан Исроил
халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда: “Мен Оссурия шоҳини
қандай жазолаган бўлсам, Бобил шоҳини ва унинг юртини ҳам худди шундай
жазолайман. 19 Исроилни ўз яйловига қайтариб олиб келаман, улар Кармил
тоғининг ён бағирларида ва Башанда ўтлаб юрадилар. Эфрайим қирларида ва
Гиладда* юриб, қоринларини тўйғизадилар. 20 Ўша кунлар келганда Исроилдан
бирон гуноҳ топилмайди, Яҳудо ҳам бенуқсон бўлади, — деб айтмоқда Эгамиз. —
Зеро, Мен асраган халқимнинг гуноҳларини кечираман.”

Худо Бобилни ҳукм қилади

21 Эгамиз шундай демоқда:
“Маротайим* юртига бостириб боринглар,
Пахўд* аҳолисига ҳужум қилинглар,
Уларни тамомила қириб битиринглар.
Сизларга Мен буюрган ҳамма ишни бажаринглар.
22 Бобилдан жанг шовқин–сурони кўтарилмоқда,
Ҳамма ёқ харобага айланмоқда.
23 Бобил бутун дунёни болғадай парча–парча қилди,
Эҳ, энди ўзи синиб парчаланиб кетди!
Бобилнинг аҳволи халқларни ваҳимага солди.
24 Эй Бобил, Мен сенга тузоқ қўйгандим,
Билмасдан тузоғимга тушиб қолдинг.
Сени фош қилдим, қўлга олдим.
Ахир, сен Менга қарши чиққан эдинг.”

25 Эгамиз Ўз аслаҳахонасини очди,
Ғазаб қуролларини олиб чиқди.
Сарвари Олам — Раббий
Бобилликлар юртида бир иш қилишга шайланди.
26 Узоқ юртлардан Бобилга ҳужум қилинг!
Омборхона эшикларини бузинг!
Бобилни дон уюмларидай йиғинг,
Ҳаммасини йўқ қилинг.
Ундан асар ҳам қолмасин!
27 Ёш жангчиларини ўлдиринг,
Ҳаммасини қириб ташланг.
Бобилнинг ҳолига вой, унинг куни битди,
Жазо оладиган вақти етди.

28 Бобилдан қочиб келганларнинг гапларини эшитинг. Улар Қуддусга келиб,
Эгамиз Худо Ўз Маъбади учун қасос олганини эълон қилишмоқда.

29-30 Эгамиз шундай демоқда: “Бобилга ҳужум қилиш учун камонкашларни

йиғинглар. Шаҳарни қуршовга олинглар, бирон‌та одам қочиб кета олмасин. Бобилликларнинг қилган ишига яраша жазосини беринглар, қилмишларини ўз бошига қайтариб солинглар. Зеро, улар Менга, Исроил халқининг Муқаддас Худосига нисбатан такаббурлик қилдилар. Ўша куни Бобилликларнинг йигитлари майдонларда ўлиб кетади, ҳамма сипоҳлари ҳалок бўлади.”

31 Сарвари Олам — Раббий шундай демоқда:
“Эй такаббур Бобил, Мен сенга қарши чиқяпман!
Сенинг кунинг битди,
Сени жазолайдиган вақт етди.
32 Бу такаббур халқинг қоқилиб тушади,
Сени ҳеч ким турғизиб қўймайди.
Мен ҳамма шаҳарларингга ўт қўяман,
Олов атрофдаги ҳамма нарсани ёндириб юборади.”

33 Сарвари Олам шундай демоқда: “Исроил ва Яҳудо халқлари зулм исканжасида қолишди. Душманларнинг ҳаммаси уларни қаттиқ тутиб турибди. Уларни қўйиб юборишдан бош тортяпти. 34 Аммо Мен уларнинг қудратли Қутқарувчисиман, Менинг номим Сарвари Оламдир. Мен халқимни астойдил ҳимоя қиламан, уларнинг юртига ором бераман. Бобилликларни эса тинчликдан маҳрум қиламан.”

35 Эгамиз шундай демоқда:
“Бобилликларга ўлим!
Бутун Бобил аҳолисига,
Аъёнларию донишмандларига ўлим!
36 Фолбинларига ўлим!
Нақадар аҳмоқдир улар!
Жангчиларига ўлим!
Нақадар ваҳимага тушган улар!
37 Отларию жанг аравалариға ўлим!
Ёлланган жангчиларига ўлим!
Аёлларга ўхшаган заифдир улар!
Зеб–зийнату бойликларини йўқ қилинг,
Таланг, ўлжа қилиб олинг.
38 Бутун юртга қурғоқчилик келсин!
Дарёлари қуриб кетсин.
Зеро, бу юрт бутлар макони бўлди,
Ваҳимага солган ўша бутлар дастидан
Одамлари ақлдан озди.

39 Шунинг учун Бобилда сиртлонлару туяқушлар яшайди. У ер ёввойи дашт ҳайвонларининг маконига айланади. Инсон зоти энди у ерда ҳеч қачон яшамайди, Бобил то абад бўм–бўш бўлиб қолади. 40 Садўм, Ғамўра* ва уларнинг атрофидаги шаҳарлар қандай вайрон бўлган бўлса, Бобил ҳам шундай вайрон бўлади. У ерда ҳеч ким яшамайди.” Эгамизнинг каломи шудир.

41 Ана, шимолдан оломон келмоқда.
Дунёнинг четидан
Буюк бир халқу кўп шоҳлар қўзғалмоқда.

42 Камону найзалар билан қуролланган улар,
Шафқат қилмайдиган золимдир бу одамлар.
Улар отларини елдиради,
Денгиздай гувиллаб келади.
Эй қиз* Бобил, улар сенга қарши чиқади,
Жанг қилгани саф тортишади.

43 Бобил шоҳи бу хабарни эшитди,
Қўлларида мадор қолмади.
Дард тутган аёл каби
Азобу изтиробда қолди.

44 Эгамиз шундай дейди: “Мен, Иордан чакалакзоридаги арслондай, яйловдаги қўйларга ҳужум қиламан. Бир зумда Бобил халқини ўз юртидан ҳайдаб чиқараман. Ўзим хоҳлаган инсонни у ерга бош қиламан. Ахир, ким Менга тенг кела олади?! Ким Мендан ҳисобот сўрайди?! Қандай чўпон Менга қарши тура олади?! 45 Шундай экан, Бобил юртига қарши Мен тузган режаларни эшитинглар. Бобил халқи тўғрисида қилган ниятларимга қулоқ тутинглар: йиртқичлар сурувдаги қўзичоқларни судраб кетади. Қилмишлари дастидан ям–яшил яйловлари пайҳон бўлади. 46 Бобил гурсиллаб қулаганда, ер юзи ларзага келади, халқнинг доду войлари олисдаги элларга эшитилади.”

51–БОБ

Эгамиз Бобилни ҳукм қилишда давом этади

1 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен Бобилга ва унинг аҳолисига* қарши,
Ҳалокат келтирадиган шамол қўзғатаман.
2 Бобилга ажнабийларни жўнатаман.
Улар буғдойни совургандай,
Бобилни совуриб ташлайдилар.
Унинг бор–йўғини шилиб оладилар.
Кулфат куни унга ҳар ёқдан ёпириладилар.
3 Бобил камонкашларининг совут кийишига,
Ўқ узишларига имкон берманг.
Бобил йигитларига раҳм қилманг!
Лашкарини тамомила қириб битиринг.
4 Улар Бобил* юртида чопиб ташланадилар,
Кўчаларида оғир яраланиб ётадилар.”

5 Исроил ва Яҳудо халқлари
Сарвари Олам олдида гуноҳ қилган бўлсалар ҳам,
Худоси уларни тарк этмади.
Исроил халқининг Муқаддас Худоси улардан юз ўгирмади.

6 Бобилдан қочиб чиқинглар!
Жонингизни қутқариб қолинглар!
Бобилнинг гуноҳи туфайли қирилиб кетманглар,
Зотан, Эгамиз Бобилдан ўч олмоқда,
Қилган қилмишларига яраша жазосини бермоқда.

7 Бобил Эгамизнинг қўлидаги олтин косадай эди,
Бобил бутун дунёни маст* қилди.
Дунё халқлари косадаги шаробдан ичди,
Ҳаммаси ақлдан озди.
8 Бобил бирданига қулайди, вайрон бўлади.
У учун фарёд қилинг!
Яраларига малҳам суртинг,
Зора тузалиб қолса!
9 Бобилда яшаган ажнабийлар айтишади:
“Бобилни тузатмоқчи эдик, аммо у тузалмади.
Энди уни ташлаб кетайлик,
Ҳар биримиз юртимизга қайтиб кетайлик.
Ахир, Бобилнинг жазоси бошидан ошди,
Кўкдаги булутларгача етиб борди.”

10 Исроил халқи дейди:
“Эгамиз бизни оқлади.
Юринглар, Қуддусга* борайлик,
Эгамиз Худонинг буюк ишларини
У ерда эълон қилайлик.”

11 Эгамиз Ўз Маъбади учун Бобилликлардан ўч олмоқчи бўлди. У бутун Бобил юртини вайрон қилишни режалаштириб қўйган эди. Режасини амалга ошириш учун Мидия шоҳларини* Бобилга қарши қўзғатиб, шундай деган эди:

“Ўткирланг ўқларни!
Тўлдиринг ўқдонларни!”

12 Бобилга қарши байроқ кўтаринг.
Қўриқчилар сафини кучайтиринг,
Соқчилар қўйинг.
Пистирма қўйишга тайёр туринг.
Эгамиз режаларини амалга оширади,
Бобилга қарши айтганларини бажаради.
13 Эй сероб сувлар бўйидаги шаҳар,
Бой хазинага эга бўлган шаҳар!
Сенинг кунинг битди.
Ҳаётинг ипи узилди*.
14 Сарвари Олам Ўз номи билан қасамёд қилиб деди:
“Чигирткадай* гала–гала душманни сенга қарши юбораман.
Улар юртинг узра ғолибона ҳайқиради.”

Худога ҳамду сано қўшиғи

15 Эгамиз қудрати ила ерни яратди,
Донолиги ила дунёни бунёд этди,
Идроки ила осмон гумбазини ўрнатди.
16 Унинг овозидан осмондаги сувлар гулдурайди,
У дунёнинг тўрт бурчидан булутларни олиб келади.
Ёмғир ёғдирганда чақмоқ чақтиради,
Омборларидаги шамоллардан эстиради.

17 Унинг олдида ҳамма одамлар аҳмоқ ва нодондир.
Заргарлар ясаган бутлари туфайли шарманда бўлишади.
Ясаган санамлари сохтадир, уларнинг жони йўқ.
18 Бу бетайин бутлар алдамчидир.
Уларни жазолаганим заҳоти йўқ бўлишади.
19 Ёқубнинг Худоси эса ундай эмас.
Бутун борлиқни У яратган,
Исроил қабиласини Ўзига мулк қилган.
Унинг номи Сарвари Оламдир.

Эгамизнинг болғаси

20 Эгамиз шундай дейди:
“Эй Бобил, сен Менинг болғам, уруш қуролимсан.
Сен билан эздим Мен халқларни,
Сен билан парчаладим шоҳликларни.
21 Сен билан пачақладим отлару чавандозларни,
Мажақладим жанг араваларию аравакашларни.
22 Сен билан эздим эркагу аёлларни,
Сен билан урдим ёшу қариларни,
Сен билан ўлдирдим йигиту қизларни,
23 Сен билан эздим чўпонлару уларнинг сурувларини,
Сен билан урдим деҳқонлару уларнинг ҳўкизларини,
Сен билан ўлдирдим ҳокимлару аъёнларни.”

Бобилнинг жазоси

24 Эгамиз шундай демоқда: “Қуддусга қилган барча ёвузликлари учун Бобилликларни* ва бутун Бобил юртини сизнинг кўзингиз олдида жазолайман.

25 Эй Бобил, сен тоғдай бўлиб,
Бутун дунёни вайрон қилдинг.
Шу боис Мен сенга қаршиман!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Мен сенга қарши қўл кўтараман,
Сени қоялардан пастга думалатиб юбораман,
Куйиб хароб бўлган тоққа айлантираман.
26 Сендан на тамал тоши,
На пойдевор учун тош олинади.
Сен то абад ташландиқ бўлиб қоласан.”
Эгамизнинг каломи шудир.

27 Байроқни кўтаринг!
Халқларга бурғу чалинг!
Халқларни Бобилга қарши урушга тайёрланг.
Арарат, Миннах ва Ашканоз шоҳликларини*
Унга қарши тўпланг.
Бобилга қарши жанг қиладиган лашкарбошини тайинланг,
Чигиртка галасидай кўп отлар келтиринг.
28 Халқларни Бобилга қарши урушга тайёрланг.
Мидия шоҳларини, уларнинг ҳокиму аъёнларини,
Уларнинг қўли остидаги ҳамма юртларни
Бобилга қарши сафарбар қилинг.

29 Бутун дунё дағ–дағ титрамоқда,
Зеро, Эгамиз Ўз режасини амалга оширмоқда.
Бобил вайрон бўлади,
Эвоҳ, кимсасиз ҳувиллаб қолади.
30 Бобил сипоҳлари жангдан воз кечишади,
Қалъаларида писиб ётишади.
Уларнинг мадори қолмайди,
Аёллардай заиф бўлиб қолишади.
Бобилнинг душмани шаҳар биноларига ўт қўяди,
Шаҳар дарвозаларини бузади.
31 Чопар кетидан чопар югурар,
Хабарчи кетидан хабарчи келар.
Бобил шоҳига шундай хабар етказмоқчи улар:
“Шаҳрингиз қулади,
32 Дарёнинг кечув жойлари қўлга олинди,
Тўқайларга ўт қўйилди*,
Сипоҳлар саросимага тушди.”

33 Исроил халқининг Худоси — Сарвари Олам шундай демоқда:
“Қиз* Бобил хирмондаги буғдойга ўхшайди.
Тез орада ўрим вақти етиб келади,
Ҳадемай у янчилади*.”

34 Қуддус аҳолиси шундай деди:
“Бобил шоҳи Навухадназар* бизни ғажиди, эзди,
Бизни бўм–бўш идишдай қилиб қўйди.
У аждарҳодай бизни ямлади,
Лаззатли нарсаларимиз билан қорнини тўйғизди,
Кейин эса бизни тупуриб ташлади.”
35 Қуддус аҳолиси айтсин:
“Мажақланган танам* учун Бобилдан ўч олинсин”, дея.
Сион аҳолиси айтсин:
“Тўкилган қоним учун Бобилликлар жазолансин”, дея.

Эгамиз Исроилга ёрдам беради

36 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен даъвоингизни эшитиб,
Сизни ҳимоя қиламан.
Сизлар учун ўч оламан.
Бобилнинг булоғини қуритаман,
Дарёларини сувсиз қолдираман.
37 Бобилни бир уюм тошга айлантираман,
Чиябўриларнинг макони қиламан.
Бобилнинг аҳволидан одамлар даҳшатга тушади,
Уни кўрганлар қотиб қолади.
У ерда бирон кимса яшамайди.

38 Бобилликлар шер каби ўкиришади,
Шер болаларидай бўкиришади.
39 Айни қизишган пайтларида

Уларга ўткир ичимликдан ичираман.
Уларни масту* шодон қиламан.
Сўнг улар абадий уйқуга кетишади,
Ҳеч қачон уйғонишмайди,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
40 Мен уларни қўзичоқ, қўчқор ва такалардай
Қассоб олдига олиб бораман.

Бобилнинг қисмати тўғрисидаги ашула

41 Эҳа, Бобил* шаҳри қулади–я!
Бутун дунё ғурури мағлуб бўлди–я!
Унинг қисматидан халқлар даҳшатга тушди!
42 Денгиз сувлари Бобилни босди,
Шовқин тўлқинлар уни қоплаб олди.
43 Ана, шаҳарлари хароб бўлди,
Улар чўлу саҳрога айланди.
Энди у ерда ҳеч ким яшамайди,
Инсон қадами у ерга етиб бормайди.
44 Бобил худоси Бэлни* Мен жазолайман,
Ютганларини оғзидан чиқараман.
Энди халқлар унинг олдига оқиб бормайди,
Бобил деворлари қулаб тушади.

Худо Бобилдаги Исроил халқига хабар беради

45 Эй халқим, чиқиб кет у ердан!
Қочиб қол Менинг қаҳримдан!
Жонингни қутқаргин!
46 Юртдаги миш–мишлар сизни қўрқитмасин,
Юрагингизга ғулғула солмасин.
Бир йил бир миш–миш бўлади,
Кейинги йили бошқаси чиқади.
Ҳа, юртдаги зўравонлик ҳақида миш–миш чиқади,
Шоҳлар орасидаги уруш ҳақида миш–миш тарқалади.
47 Мана, шундай кун келяптики,
Мен Бобилнинг сохта худоларини жазолайман.
Бутун Бобил юрти шарманда бўлади,
Кўчаларида жасадлар ётади.
48 Ҳа, Бобилга қарши шимолдан
Қирғин келтирувчи келади.
Шунда Бобилнинг ҳалокатидан
Еру осмон шодланади,
У ердаги барча мавжудот хурсанд бўлади,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
49 Ахир, Бобил Исроил халқининг умрига зомин бўлди,
Ер юзидаги кўп халқларнинг бошини еди,
Ана энди унинг қилмишлари ўзининг бошига етди.”

50 Эй қиличдан омон қолганлар!
Ўйланмасдан қочинглар!
Олис юртда Эгамизни эсланглар.
Қуддус ҳақида ўйланглар.

51 Сизлар айтасиз: “Шарманда бўлдик.
Ҳақоратлар эшитдик.
Юзимиз шувут.
Ахир, Эгамиз уйининг муқаддас хоналарини
Ажнабийлар оёқ ости қилди.”
52 Эгамиз эса шундай демоқда:
“Мана, шундай кунлар келяптики,
Мен Бобилнинг сохта худоларини жазолайман.
Бутун юрт узра
Яралорларнинг фарёдлари эшитилади.
53 Бобил осмонга чиқиб олса ҳам,
Баланд қалъасини мустаҳкам қилса ҳам,
Мен унга қарши қирғин келтирувчини юбораман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Бобил вайрон бўлади

54 Ана, Бобил халқидан доду фарёд кўтарилмоқда,
Бобил юртидан вайрон–талқон садолари келмоқда.
55 Эгамиз Бобилни вайрон қилади,
Шанғиллаган товушини ўчиради.
Душманлар шиддатли тўлқинлардай ўкиради,
Қулоқни тешгудек қилиб бақиради.
56 Қирғин келтирувчи Бобилга қарши чиқади,
Сипоҳларини асирликка олади.
Камонларини синдиради.
Ахир, Эгамиз жазолайдиган Худодир,
У роса Бобилнинг жазосини беради.
57 Худо Шоҳдир,
Сарвари Оламдир Унинг номи.
У шундай демоқда:
“Маст қиламан Бобил амалдорларию донишмандларини,
Ҳокимларини, аъёнларию жангчиларини.
Улар абадий уйқуга кетадилар,
Ҳеч қачон уйғонмайдилар.”

58 Сарвари Олам шундай демоқда:
“Бобилнинг қалин деворлари ер билан яксон қилинади,
Баланд дарвозалари ёндириб ташланади.
Эллар беҳуда тинкасини қуритади.
Халқларнинг тер тўкиб эришганлари оловга ем бўлади.”

Еремиёнинг башорати Бобилда овоза қилинади

59 Яҳудо шоҳи Зидқиё ҳукмронлигининг тўртинчи йили*. Шоҳ Зидқиё Бобилга бормоқчи бўлиб йўлга отланганда, Еремиё пайғамбар Нериёнинг ўғли, Махсиёнинг невараси Сараёга кўрсатмалар берди. Сараё бу сафарда жавобгар бир шахс эди. 60 Еремиё ўрама қоғозга* Бобилнинг бошига тушадиган барча кулфатларни батафсил баён қилиб ёздирган эди. 61 У Сараёга шундай тайинлади:

— Бобилга борганингдан кейин, ўрама қоғоздаги ҳамма сўзларни халққа баланд овозда ўқиб бер. 62 Кейин эса шундай хитоб қил: “Эй Эгам, Сен Ўзинг бу жойни вайрон қиламан, дегансан. Бу ерда на одамлар, на ҳайвонлар яшайди, бу жой то абад ташландиқ бўлади, деб айтгансан.” 63 Ўрама қоғозни ўқиб

бўлганингдан кейин, унга бир тош боғлагин–да, Фурот дарёсининг ўртасига улоқтириб юбор. 64 Кейин шундай деб айт: “Бобил ҳам шунга ўхшаб чўкиб кетади. Эгамиз Бобилга ёғдирадиган кулфатлар туфайли Бобил ҳеч қачон ўнгланмайди. Унинг бутун аҳолиси ўлади.”

Еремиёнинг башоратлари тугади.

52–БОБ

Қуддус қулайди

1 Зидқиё йигирма бир ёшида шоҳ бўлди* ва Қуддусда ўн бир йил ҳукмронлик қилди. Онасининг исми Хамутал бўлиб, Либналик Еремиёнинг* қизи эди. 2 Зидқиё ҳам, Ёҳайиқим каби, Эгамиз олдида қабиҳ ишлар қилгани учун 3 Эгамиз Қуддус ва Яҳудо халқидан ғоят ғазабланган, оқибатда уларни Ўз ҳузуридан қувиб юборган эди.

Зидқиё Бобил шоҳига қарши исён кўтарди. 4 Зидқиё ҳукмронлигининг тўққизинчи йили ўнинчи ойининг* ўнинчи кунида Бобил шоҳи Навухадназар* Қуддусга қарши бор лашкарини тортиб келиб, шаҳарни қамал қилди. Шаҳар девори атрофида қамал иншоотлари* ясатди. 5 Шоҳ Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йилигача* шаҳар қамалда қолди. 6 Тўртинчи ойнинг* тўққизинчи куни шаҳарда очарчилик шу қадар кучайдики, халқ бир бурда нонга зор бўлди.
7 Бобилликлар* Қуддус деворини ёриб кирдилар. Улар Қуддусни ҳар томондан қуршаб олишган бўлсалар–да, Яҳудо сипоҳлари шоҳ билан бирга қочиб кетдилар. Улар тунда саройнинг боғи яқинидаги икки девор орасидаги дарвозадан чиқиб, Иордан водийси* томонга қочган эдилар. 8 Аммо Бобил* сипоҳлари шоҳнинг орқасидан қувиб, Ерихо текислигида унга етиб олдилар. Бутун лашкар эса шоҳни ташлаб қочиб кетди.

9 Бобил сипоҳлари шоҳ Зидқиёни ушлаб, Хомат юртидаги Ривло шаҳрига*, Бобил шоҳи ҳузурига олиб келдилар. Бобил шоҳи Зидқиёни ҳукм қилди.
10 Ривлода Зидқиёнинг кўзи олдида ҳамма ўғилларини, сўнг Яҳудо аъёнларини қатл қилди. 11 Зидқиёнинг эса кўзларини ўйиб, уни кишанлаб қўйди. Бобил шоҳи уни ўзи билан Бобилга олиб кетди. Зидқиё умрининг охиригача зиндонда ётди.

Маъбад вайрон бўлади

12 Бобил шоҳи Навухадназар ҳукмронлигининг ўн тўққизинчи йили бешинчи ойининг* ўнинчи кунида Бобил шоҳи хизматидаги қўриқчилар сардори Набизарадон Қуддусга кирди. 13 У Эгамизнинг уйига, шоҳ саройига, ҳар бир ҳашаматли иморатга, Қуддусдаги ҳамма уйларга ўт қўйди. 14 Қўриқчилар сардори бошчилигида бутун Бобил лашкари Қуддус деворларини йиқитди. 15 Набизарадон баъзи қашшоқларни, шаҳарда тирик қолганларни, Бобил шоҳи томонга ўтган қочоқлару қолган–қутган ҳунармандларни* асир қилиб олиб кетди. 16 Узумчилик ва деҳқончилик билан машғул бўлсинлар дея, ҳеч вақоси йўқ, қашшоқ одамлардан баъзиларинигина қолдирди, холос.

17 Бобилликлар Эгамизнинг уйидаги бронза устунларни, араваларни, бронза ҳовузни* парчаладилар, бронзанинг ҳаммасини Бобилга олиб кетдилар.
18 Эгамизнинг уйида хизмат пайтида ишлатиладиган буюмларни — қозонларни, кураклари, қайчиларни, тоғорачалар ва куракчаларни, барча бронза ашёларни ҳам олиб кетдилар. 19 Қўриқчилар сардори Набизарадон олтин ва кумушдан ясалган тоғораларни, оловкуракларни, тоғорачаларни, товоқларни, чироқпояларни, куракчаларни ва шароб назри учун ишлатиладиган идишларни ҳам олиб кетди. 20 Эгамизнинг уйи учун шоҳ Сулаймон ясаттирган иккита устунга,

ҳовузга, ҳовуз остидаги ўн иккита буқага ва араваларга* беҳисоб бронза сарф қилинган эди. 21 Ҳар бир устуннинг баландлиги 18 тирсак, тевараги 12 тирсак* эди. Устунларнинг ичи кавак бўлиб, деворларининг қалинлиги тўрт энли эди. 22 Иккала устуннинг тепасида биттадан устунқош бор эди. Устунқошларнинг баландлиги 5 тирсакдан*, атрофлари бронзадан ясалган тўрсимон безак ва анор* тасвири билан безатилган эди. 23 Устунқошнинг ҳар бир томонига тўқсон олтита анор тасвири туширилган эди. Тўрсимон безакдаги анорларнинг сони ҳаммаси бўлиб юзта эди.

Яҳудо халқи Бобилга сургун қилинади

24 Қўриқчилар сардори Набизарадон олий руҳоний Сараёни, ундан кейинги руҳоний Зафаниёни ва учта дарвозабонни ҳам асирга олди. 25 Қуддусда қолган сипоҳларнинг лашкарбошисини, шоҳнинг еттита шахсий маслаҳатчисини, халқни лашкар сафига ёзган лашкарбошининг котибини ва халқдан шаҳарда қолган олтмиш кишини ҳам банди қилди. 26 Уларнинг ҳаммасини Ривлога, Бобил шоҳи ҳузурига олиб келди. 27 Бобил шоҳи уларни Хомат юртида — Ривлода қатл қилди. Шундай қилиб, Яҳудо халқи ўз юртидан сургун бўлди.

28 Навухадназар сургун қилган халқнинг сони қуйидагичадир: ҳукмронлигининг еттинчи йили* 3023 нафар яҳудийни, 29 ўн саккизинчи йили* Қуддус аҳолисидан 832 нафар кишини, 30 йигирма учинчи йили* қўриқчилар сардори Набизарадон Яҳудодан 745 нафар кишини сургун қилди. Ҳаммаси бўлиб сургун қилинган халқнинг сони 4600 киши эди.

31 Яҳудо шоҳи Ёҳайихин Бобилга сургун қилинганига ўттиз етти йил бўлганда, Бобил тахтига Эвилмардух ўтирди*. Эвилмардух ўша йилнинг ўн иккинчи ойи* йигирма бешинчи куни Яҳудо шоҳи Ёҳайихинга марҳамат қилиб, уни зиндондан олиб чиқди. 32 Унга яхши муносабатда бўлди, Бобилга сургун қилинган бошқа шоҳлардан кўра, баландроқ мартаба берди. 33 Шундай қилиб, Ёҳайихин зиндон кийимларини ечди. Умр бўйи доимо Бобил шоҳининг дастурхонидан таом еди. 34 Умрининг охиригача Бобил шоҳи тарафидан кундалик эҳтиёжи ҳар доим қондирилди.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Онотўт шаҳри* — Қуддусдан қарийб 5 километр шимоли–шарқда жойлашган эди.

1:2 *Яҳудо* — Яҳудо қабиласи Исроилнинг жанубий қисмидаги энг катта қабила эди. Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди (3 Шоҳлар 11:26-12:24 га қаранг). Яҳудо ва Бенямин қабилалари жанубий шоҳлик деб аталадиган бўлди. Жанубий шоҳликнинг пойтахти Қуддус бўлиб қолаверди, уларнинг ўз ҳукмдорлари бор эди. Эски Аҳднинг баъзи парчаларида Яҳудо сўзи жанубдаги иккала қабилага нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:2 *Йўшиё Яҳудода ҳукмронлик қилган даврнинг ўн учинчи йили* — милоддан олдинги 627 йил. Йўшиё милоддан олдинги 640-609 йилларда ҳукмронлик қилган.

1:3 *Ёҳайиқим даври* — милоддан олдинги 609-598 йилларда Яҳудода ҳукмронлик қилган.

1:3 *Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йили* — милоддан олдинги 586 йил. Зидқиё милоддан олдинги 597-586 йилларда Яҳудода ҳукмронлик қилган.

1:3 *бешинчи ой* — иброний календарининг Ав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июлнинг ўртасидан бошланади.

1:12 *Бодом шохи Менинг ҳушёр туришимни билдиради* — ибронийчада *бодом* ва *ҳушёр* сўзлари ўзаро оҳангдош. Бодом биринчи бўлиб гуллайдиган дарахт бўлгани учун, Яҳудода баҳор рамзи ҳисобланарди. Худонинг “ҳушёр туриши” ҳам Унинг “ҳукми” рамзидир. Бундан англашиладики, Худо аҳдни бузган садоқатсиз халқини ҳукм қилишга тайёр турибди (Левилар 26:14-45, Қонунлар 28:15-68 га қаранг).

1:12 *Айтган сўзларим* — Левилар 26:14-45, Қонунлар 28:15-68 га қаранг.

1:15 *шимолдаги шоҳликларнинг барча халқлари* — Бобил ва унинг иттифоқдоши лашкарларига ишора (20:4-5, 39:1-3 га қаранг). Бобил шоҳлиги Яҳудо юртидан шарқда жойлашган эди, лекин Бобил лашкарлари Яҳудога шимол томондан ҳужум қилади.

2:4 *Исроил* — шоҳ Сулаймоннинг вафотидан кейин Исроил халқи икки шоҳликка бўлиниб кетди (3 Шоҳлар 11:26-12:24 га қаранг). Шимолий шоҳлик “Исроил” деб, жанубий шоҳлик эса “Яҳудо” деб аталадиган бўлди. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, уни батамом йўқ қилиб юбордилар. Еремиё даврида фақат жанубий шоҳлик, яъни Яҳудо қолган эди. Шу сабабдан мазкур оятда ва Еремиё китобининг кўп жойларида “Исроил” сўзи жанубий шоҳлик аҳолисига нисбатан қўлланилган. Бироқ айрим ҳолларда Еремиё бу сўзни собиқ шимолий шоҳликка нисбатан ёки иккала шоҳликка нисбатан ҳам ишлатган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

2:8 *Баал* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, эркак қиёфасида тасаввур қилинган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БААЛ сўзига қаранг.

2:10 *Кипр* — ибронийча матнда *Киттим*, Кипрнинг қадимги номи.

2:10 *Кедар* — Арабистон саҳросидаги ерлар.

2:16 *Нуф ва Тахпанхас* — Мисрнинг икки шаҳри эди. Нуф Мемфис номи билан ҳам маълум. Мемфис шаҳри Миср шимолий ҳудудининг маркази бўлиб, Миср тарихида бирмунча вақт пойтахт ҳам бўлган эди.

2:16 *...Сочингни қириб ташладилар* — улар Миср халқига қул бўлганларининг белгиси эди.

2:18 *Нил* — ибронийча матнда *Шихор*, Нил дарёсининг шарқий ирмоғи.

2:18 *Оссурия* — қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво шаҳри ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОССУРИЯ сўзига қаранг.

2:18 *Нил сувидан...Фурот сувидан ичиш учун* — кўчма маънодаги гап бўлиб, Исроил халқи Миср ва Оссурия билан иттифоқ тузмоқчи бўлганига ишора қилади. Улар Худога ишонмай ўша халқларнинг ёрдамига суянган эдилар (яна шу бобнинг 13–оятига қаранг).

2:20 *Ҳар бир баланд тепаликда...фоҳишадай ётдинг* — Канъондаги халқларнинг удумига кўра, саждагоҳлар тепаликларда ёки серсоя дарахтлар остида жойлашган эди. Ўша пайтларда бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар. Лекин Эгамиз Исроил халқига бу йўл билан сажда қилишни қатъиян ман этган (Қонунлар 23:17-18 га қаранг).

2:23 *Водийда қилган ишларинг* — Қуддус шаҳридан жанубда жойлашган Хиннум сойлигига ишора. Одамлар у ерда худо Баал ва худо Мўлахга сиғиниб, ҳатто ўз фарзандларини ҳам қурбонлик қилишарди (7:31-32, 19:1-6, 32:35 га қаранг).

2:27 *...ёғочга...Тошга...* — халқ сиғинган ва мадад кутган бутларга ишора.

3:1 *Бундай бемаънигарчилик юртни ҳаром қилиб юбормайдими?!* — Қонунлар 24:1-4 га қаранг.

3:2 *Сен фоҳишалик қилмаган бирор жой қолдими?!* — 2:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

3:6 *Шоҳ Йўшиё даврида* — 1:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

3:6 *Исроил* — шимолий шоҳликнинг аҳолиси назарда тутилган (2:4 изоҳига қаранг).

3:6 *...у фоҳишалик қилди* — 2:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

3:7-8 *Мен садоқатсиз Исроилга талоқ хатини бериб, жўнатиб юбордим* — Худо Исроил халқини жазолаганига ишора. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар Исроилга, яъни шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, пойтахти Самарияни забт этдилар. Сўнг Исроил халқининг аксарият қисмини Оссурияга сургун қилдилар (4 Шоҳлар 17:1-6 га қаранг). Шундай қилиб, шимолий шоҳлик барҳам топди.

3:14 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

3:16 *Аҳд сандиғи* — Худо Ўз халқи орасида эканлигининг рамзи. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги АҲД САНДИҒИ иборасига қаранг.

3:16 *...Менинг Аҳд сандиғим...янгисини ясашмайди* — Бобилликлар милоддан олдинги 586 йилда Қуддусни босиб олганларида Аҳд сандиғини йўқ қилиб юборган ёки ўзлари билан олиб кетган бўлишлари мумкин.

4:4 *...Юрагингизни суннат қилинг* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Исроил халқи Худога бўлган садоқатини ва Унинг амрларига итоат қилиш истагини кўрсатиш учун суннат қилинардилар. Бу оятдаги "юрагингизни суннат қилинг" ибораси кўчма маънода ишлатилиб, тузилган аҳднинг ташқи белгиси бўлган жисмоний суннат етарли эмаслигини кўрсатади. Мазкур иборада Худога чин юракдан содиқ ва итоаткор бўлишга урғу берилади.

4:6 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 31–оятида ҳам бор). 3:14 изоҳига қаранг.

4:6 *шимолдан* — Бобил юрти назарда тутилган (1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

4:8 *...Қаноргa ўраниб олинглар* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қаноргa ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

4:11 *гармсел* — ҳосилга катта зиён келтирадиган иссиқ шамол. Бу ўринда мажозий маънода ишлатилиб, Худонинг ҳукмини билдиради.

4:15 *...Дан шаҳридан...Эфрайим қирларидан...* — Дан шаҳри Эфрайим қирларидан шимолда жойлашган бўлиб, Исроил чегарасининг энг шимолий нуқтасини ташкил қиларди. Бобилликлар Қуддусга ҳужум қилиш учун, даставвал Дан шаҳрини, сўнг Эфрайим қирларини босиб олишлари керак эди (шу бобнинг 6–оятига қаранг).

4:30 *Ўйнашларинг* — Яҳудо халқининг иттифоқдошларига ишора.

4:31 *Қиз* — шаҳар ёки юрт аҳлига нисбатан қўлланган шеърий усул.

5:5 *бойлар* — ёки *йўлбошчилар*.

5:31 *ўзларича* — ёки *уларга қўшилишиб*.

6:1 *Тахува шаҳри...Байт–Хакерем шаҳри...* — Тахува шаҳри Қуддусдан қарийб 16 километр жанубда, Байт–Хакерем шаҳри 3 километр жанубда жойлашган эди. Шимол томондан бостириб келаётган Бобил қўшинлари аввал Қуддусга, сўнг бу шаҳарларга ҳужум қилишлари керак эди. 1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

6:2 *Қиз* — 4:31 изоҳига қаранг.

6:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 23–оятида ҳам бор). 3:14 изоҳига қаранг.

6:6 *Дарахтларини кесинглар...* — кесилган дарахтлардан қамал иншоотлари ва девортешар қуроллар ясалган (52:4 оятга ва 33:4 нинг изоҳига қаранг).

6:6 *...Қуддус деворига қиялатиб тупроқ уйинглар* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча деворга қиялатиб тупроқ уйганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

6:10 *қулоқлари ёпиқ* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *қулоқлари суннатсиз*. Бу ибора “улар Худога қулоқ солишни ва итоат этишни истамайди” деган мажозий маънони ифодалайди (4:4 изоҳига қаранг).

6:17 *қўриқчилар* — Худо Ўз халқини огоҳлантириб, тавба қилишга ундаш учун юборган пайғамбарларга ишора.

6:20 *Шава юрти* — Арабистон ярим оролининг жануби–ғарб томонида бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Шава маликаси шоҳ Сулаймонга ҳадялар олиб келган эди (3 Шоҳлар 10:1-13 га қаранг).

6:22 *шимолдаги юрт* — Бобил назарда тутилган (1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

6:26 *Қаноргa ўраниб, кулга белангин* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қаноргa ўраниб олиш ва кулга беланиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

7:10 *уйим* — яъни Маъбад (шу бобнинг 1-4–оятларига қаранг).

7:12 *Шилў шаҳри* — Қуддусдан қарийб 32 километр шимолда жойлашган. Ёшуа давридан тортиб Шомуил даврига қадар Муқаддас чодир ва Аҳд сандиғи Шилўда бўлган эди (Ёшуа 18:1, Ҳакамлар 18:31, 1 Шоҳлар 1:3, 4:3 га қаранг). Шомуил даврида Филистлар Аҳд сандиғини қўлга киритдилар (1 Шоҳлар 4:1-11 га қаранг). Археологик топилмаларнинг исботлашича, Филистлар Шилў шаҳрини вайрон қилганлар. Бу шаҳар Исроил халқининг сажда маркази бўлишига қарамай, Худо томонидан қаттиқ жазоланди, чунки Исроил халқи Худонинг амрларига риоя қилмаган эди (Забур 77:56-64 га қаранг).

7:15 *Эфрайим* — Эфрайим қабиласи Исроилнинг шимолий қисмидаги энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Бу шоҳликнинг пойтахти Самария эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭФРАЙИМ сўзига қаранг.

7:18 *само қироличаси* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик ва уруш худоси бўлган Аштарет назарда тутилган бўлиши мумкин. Аштарет аёл қиёфасида тасаввур қилинган.

7:21 *...куйдириладиган қурбонликларингизнинг гўштини ҳам ўзларингиз еявергинглар* — қонунга кўра, руҳонийлар ёки сажда қилувчилар деярли ҳамма қурбонликларнинг гўштини тановул қилишлари мумкин эди. Лекин куйдириладиган қурбонлик бутунлигича оловда куйдириларди. Халқ Худога итоат қилмагани учун қурбонликларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмаган эди. Худо қурбонликларнинг бефойда эканлигини ва уларни қабул қилмаслигини таъкидламоқчи бўлиб, киноя қилиб “куйдирилган қурбонликларингизнинг гўштини ҳам ўзларингиз еявергинглар” деб айтяпти.

7:29 *Сочингизни қириб ташланг* — сочни олдириш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

7:31 *Хиннум сойлиги* — Қуддус шаҳридан жанубда жойлашган. Сойлик — икки адир оралиғидаги пастлик. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СОЙЛИК сўзига қаранг.

7:31 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига

топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди.

8:7 *Каптар, қалдирғочу турналар* — ибронийча матнда айтиб ўтилган бу қушлар қандай қуш эканлиги баҳсли.

8:16 *...душман Дан шаҳрига етиб келди...* — 4:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

8:17 *илонлар...заҳарли илонлар* — душманлар назарда тутилган. Худо бу сўзлар орқали Исроил халқининг ота–боболарини қай тарзда жазолаганига, улар орасига заҳарли илонлар юборганига ишора қилмоқда (Саҳрода 21:4-6 га қаранг).

8:19 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 3:14 изоҳига қаранг.

8:22 *Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги бу ўлка доривор ўсимликлари билан машҳур эди (Ибтидо 37:25 га қаранг).

9:4 *ёлғончи* — ибронийча матнда бу сўз *Ёқуб* исмига оҳангдош. Исроил халқининг бобокалони Ёқуб ёшлигида акаси Эсовни алдаган эди (Ибтидо 27:36 га қаранг).

9:15 *...аччиқ ўт...заҳарли сув...* — изтиробу аламга ишора қилаётган кўчма маънодаги ибора.

9:17 *Йиғичи аёллар* — қадимги Исроилда баъзан дафн маросимлари пайтида дод–фарёд қилиб, айтиб йиғлаш учун йиғичи аёллар ёлланарди.

9:19 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 3:14 изоҳига қаранг.

9:25 *юраги суннат қилинмаган одамлар* — яъни Худога чин юракдан садоқатли ва итоаткор бўлмаган одамлар (4:4 изоҳига қаранг).

9:26 *...сочини олдириб юрадиган...* — бу одат бутпараст халқларга хос эди. Худо Исроил халқига сочни олдиришни қатъиян ман этганди (Левилар 19:27 га қаранг).

9:26 *...Мисрликларни...чўл қабилаларининг ҳаммасини...* — оятда қайд этилган бу халқларнинг ҳаммаси Яҳудо халқига қўшни бўлиб, улар сингари суннат қилинарди. Бироқ барҳаёт Худога сажда қилишмасди.

10:8 *Донишмандларию шоҳлари...* — ёки *Халқлар...*. Ибронийча матнда *Улар...*.

10:11 Асл матнда бу оят иброний тилида эмас, орамий тилида ёзилган.

10:22 *шимолдан* — Бобил юрти назарда тутилган (1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

11:5 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут — мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

11:10 *Исроил халқи* — шимолий шоҳликнинг аҳолиси назарда тутилган (2:4 изоҳига қаранг).

11:21 *Онотўт* — Еремиёнинг она шаҳри (1:1 га қаранг).

12:4 *"Бизга нима бўлишини Еремиё қаердан ҳам биларди?!"* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *"Бизга нима бўлишини у билмайди."* Қадимий юнонча таржимада *"Биз нима қилаётганимизни Худо кўрмаяпти."*

12:5 *...Иордан бўйидаги чакалакзорда...* — қадимги пайтларда Иордан дарёси бўйидаги чакалакзорларда шерлар яшарди.

13:4 *Поро анҳори* — Қуддусдан қарийб 10 километр ва Еремиёнинг она шаҳри Онотўтдан қарийб 5 километр шимоли–шарқда жойлашган. Ибронийча матнда бу ўриндаги ном *Перот* бўлиб, одатда Фурот дарёси маъносини ифодалайди. Бироқ Фурот дарёси Онотўт шаҳридан тахминан 1000 километр узоқликда жойлашгани учун, бу оятда Фурот дарёси назарда тутилмаган бўлса керак (шу бобнинг 5-7–оятларида ҳам ишлатилган). Эҳтимол, ушбу оятда Поро анҳори — Фурот дарёсининг рамзи. Фурот дарёси Яҳудо халқи келажакда сургун қилинадиган Бобил юртида эди.

13:13 *маст* — бу ўринда шароб Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (25:15-29 га ва Ишаё 51:17-23 га қаранг).

13:18 *Шоҳга ва она маликага…* — Ёҳайихин ва унинг онаси Нахушта назарда тутилган (4 Шоҳлар 24:8, 12 га қаранг). Одатда шоҳнинг онаси саройда юқори мартабага эга бўлган.

13:23 *Ҳабашистонлик* — ибронийча матнда *Кушлик*. Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

13:24-25 *Гармсел* — иссиқ шамол.

13:27 *…фоҳишабозлигингизнинг гувоҳи бўлдим* — 2:20, 3:2, 6 оятларга ва 2:20 изоҳига қаранг.

14:18 *Пайғамбару руҳонийлар…бемаъни маслаҳатлар бериб юрибдилар* — 2:8, 5:13, 6:13, 8:10 га ва шу бобнинг 13-15–оятларига қаранг.

14:19 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 3:14 изоҳига қаранг.

15:4 *Манаше…кўп қабиҳликлар қилган эди* — 4 Шоҳлар 21:1-16 га қаранг. Манаше милоддан олдинги 687-642 йилларда ҳукмронлик қилган.

15:12 *шимолдан* — Бобил юрти назарда тутилган (1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

16:6 *…баданини тилмайди, сочини олдирмайди…* — бу одатлар Канъон юртида яшаган бутпараст халқларга хос эди (мисол учун, 3 Шоҳлар 18:28 га қаранг). Худо Исроил халқига бундай қилишни қатъиян ман этган эди (Левилар 19:27-28, Қонунлар 14:1 га қаранг). Шунга қарамай, улар баъзан бутпарастларнинг бу одатларига риоя қилишарди (41:5 га қаранг).

16:15 *шимолдаги юрт* — Бобил назарда тутилган (1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

17:1 *Сизларнинг гуноҳингиз…қурбонгоҳларингиз шохларига…ўйиб битилган* — одамлар Канъон халқларининг худоларига топинган жойларда қурбонгоҳлар одатда тошдан ясалган. Ўша қурбонгоҳларнинг тўртала бурчагининг учи ҳайвон шохи шаклида ясалган эди ва қурбонликларнинг қони ўша шоҳларга суриларди. Одамлар Қуддусда Худога сажда қилганларида ҳам Маъбаддаги бронза қурбонгоҳ шохларига қурбонлик қонини суртишарди. Бу маросим халқнинг гуноҳлари ювилганини билдирарди (Левилар 16:18-19 га қаранг). Бу ўринда Исроил халқи бегона худоларга сажда қилиб, ўша ердаги қурбонгоҳларига қон сургани уларнинг гуноҳи ювилганини эмас, аксинча Худонинг назарида абадий муҳр бўлиб қолгани ҳақида гап кетяпти.

17:2 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл

қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

17:3 *Ўз тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

17:3 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни "тепалик". 7:31 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

19:2 *Хиннум сойлиги* — 7:31 нинг биринчи изоҳига қаранг.

19:5 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни "тепалик". 7:31 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

19:7 *...барбод қиламан* — ибронийча матнда ишлатилган бу феъл "кўза" сўзи билан бир ўзакка эга (шу бобнинг 1–оятига қаранг). Бу феъл *бўшатаман* деган маънони ҳам билдиради. Бу вазиятда Еремиё кўзадаги сувни тўкиб, уни бўшатган бўлиши мумкин. Эҳтимол, бу ҳаракати орқали у халқнинг ўзини ҳимоя қилиш тўғрисидаги режалари пуч эканлигига, Қуддус барибир мағлубиятга учрашига рамзий маънода ишора қилган (яна шу бобнинг 10–оятига қаранг).

20:2 *Эгамиз уйининг ҳовлисидаги Юқори Бенямин дарвозаси* — Маъбаднинг ички ҳовлисига олиб борадиган бу дарвоза Бенямин қабиласи жойлашган томонга — шимолга қаратиб қурилган эди. Бу дарвоза тепаликда жойлашгани учун "Юқори" деб ном олган (4 Шоҳлар 15:35, Ҳизқиёл 9:2 га қаранг). Шаҳар деворининг шимол томонидаги яна бир дарвоза "Бенямин дарвозаси" деб аталарди (37:11-13 га қаранг).

20:3 *«Даҳшат қамраган»* — ибронийча матнда *«Магўрмисабиб»*, маъноси *даҳшат қамраган*.

20:16 *Эгамиз шафқатсизларча вайрон қилган Шаҳарлар* — Садўм ва Ғамўрага ишора (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

21:1 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

21:2 *Навухадназар* — милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган. Милоддан олдинги 586 йилда у Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг).

21:4 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 9–оятида ҳам бор).

21:14 *Шоҳнинг саройи* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўрмонингиз*, шоҳ саройининг энг катта хонасига ишора. Бу хона Лубнон тоғларидан келтирилган садр дарахтидан қурилгани учун "Лубнон ўрмони" деб ном олган эди (3 Шоҳлар 7:1-3 га қаранг).

22:5 *...Ўз номим ҳақи онт ичиб...* — қадимги Яқин Шарқда одамлар айтган гапини тасдиқлаш учун, ўзларидан буюкроқ зот номини ёки нарсани ўртага қўйиб қасам ичишар эди. Худо борлиқдаги энг буюк Зот бўлгани учун, У айтган сўзининг қатъий эканлигини кўрсатиш мақсадида Ўз номини ўртага қўйиб қасам ичди.

22:6 *Гилад ўлкаси* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

22:10 *Ўлган шоҳингиз* — Яҳудо шоҳи Йўшиё назарда тутилган. Йўшиё милоддан олдинги 640-609 йилларда ҳукмронлик қилган.

22:10 *сургун бўлган шаҳзодангиз* — шоҳ Ёҳухоз назарда тутилган. Шоҳ Ёҳухоз отаси Йўшиёнинг вафотидан сўнг милоддан олдинги 609 йилда тахтга ўтириб, 3 ойгина ҳукмронлик қилган. Сўнг фиръавн Нехо томонидан Мисрга сургун қилинган (4 Шоҳлар 23:31-34 га қаранг).

22:11 *Ёҳухоз* — ибронийча матнда *Шаллум*, Ёҳухознинг яна бир исми (4 Шоҳлар 23:30 га қаранг).

22:13 *Уйини ноҳақлик билан қурган* — Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим назарда тутилган (шу бобнинг 18–оятига қаранг). Акаси Ёҳухоз сургун қилингандан кейин, Ёҳайиқим тахтга ўтириб, милоддан олдинги 609-598 йилларда ҳукмронлик қилган.

22:20 *...Лубнон...Башан ўлкаси...Аборим тоғлари...* — Лубнон тоғлари Қуддусдан шимолда, Башан ўлкаси шимоли–шарқда, Аборим тоғлари жанубда — Мўаб юртида жойлашган.

22:20 *ўйнашларинг* — Яҳудо халқининг иттифоқдошларига ишора.

22:23 *«Лубнон» саройи* — 21:14 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

22:24 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда *Хониё*, Ёҳайихиннинг яна бир исми (шу бобнинг 28–оятида ҳам бор). Ёҳайихин милоддан олдинги 598 йилда уч ой давомида Яҳудода ҳукмронлик қилган.

22:25 *Навухадназар* — милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган. У милоддан олдинги 598 йилда у Қуддусни қамал қилиб, Ёҳайихинни Бобилга сургун қилган. Ёҳайихин Бобилда вафот этди. 4 Шоҳлар 24:10-17, 25:27-30 га қаранг.

22:25 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

22:26 *онанг* — 13:18 изоҳига қаранг.

23:8 *шимолдаги юрт* — Бобил назарда тутилган (1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

23:10 *Лаънат* — Худо берган жазога ишора. Одамлар Худонинг аҳдига содиқ қолмаганлари учун бутун халқ ва улар яшаган юрт лаънатланган эди (Қонунлар 29:18-21 га қаранг).

23:14 *...Садўм...Ғамўра...* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

23:15 *...аччиқ ўт...заҳарли сув...* — изтиробу аламга ишора қилаётган кўчма маънодаги ибора.

23:18 *Эгамизнинг кенгаши* — Худонинг тахти атрофида самовий мавжудотлар йиғилгани ҳақида Эски Аҳдда бир неча марта сўз юритилган (мисол учун, Аюб 1:6-12, 2:1-6, 3 Шоҳлар 22:19-22, Забур 81:1, 88:8 ва Ишаё 6:1-8 га қаранг).

23:33 *...Эгамиз бизга нима юкламоқчи?* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...Эгамизнинг юки нима?* Бу ўриндаги ибронийча сўз “юк” ёки “Эгамизнинг сўзи” маъносини ифодалаши мумкин. Еремиё бу сўздан моҳирона фойдаланиб, Яҳудо халқини койийди, улар Эгамизнинг сўзини юк деб билганлари учун уларни уришади. Яҳудо халқи Худога итоат қилишни истамай, Унинг сўзларини оғриниб эшитади. Сохта пайғамбарларнинг тилёғламалик билан айтган гапларини эса жон қулоқлари билан эшитишади.

23:33 *Сизлар...юк бўлдингизлар* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан.

Ибронийча матнда *Қандай юк?*

23:39 *Мен сизларни юк кўтаргандай кўтариб…* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Мен сизларни унутиб юбораман….*

24:1 *Навухадназар* — 22:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

24:1 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда *Ёхониё*, Ёҳайихиннинг яна бир исми (22:24 изоҳига қаранг).

24:5 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

24:8 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

25:1 *Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йили* — милоддан олдинги 605 йил (1:3 нинг биринчи изоҳига қаранг).

25:3 *Йўшиё Яҳудода ҳукмронлик қилган даврнинг ўн учинчи йили* — милоддан олдинги 627 йил (1:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

25:12 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

25:17 *шароб* — бу ўринда Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (шу бобнинг 27–оятига қаранг).

25:20 *талафот кўрган Ашдод* — узоқ қамалдан кейин Ашдод шаҳри Мисрликларга мағлуб бўлди.

25:23 *Дедон, Темо, Буз* — Арабистон ярим оролидаги шаҳарлар.

25:23 *…сочини олдириб юрадиган…* — 9:26 нинг биринчи изоҳига қаранг.

25:26 *Бобил* — ибронийча матнда *Шашах*, Бобилга нисбатан ишлатилган яна бир ном.

25:30 *Узум эзувчилар каби…* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди. Узум эзиш Муқаддас Китобда кўпинча Худонинг одамлар устидан чиқарадиган ҳукмига нисбатан кўчма маънода ишлатилган.

25:34 *…кулга беланинглар* — кулга беланиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

26:1 *Ёҳайиқимнинг Яҳудодаги илк ҳукмронлиги даври* — милоддан олдинги 609 йил (1:3 нинг биринчи изоҳига қаранг).

26:6 *Шилў* — 7:12 изоҳига қаранг.

26:10 *…Янги дарвозанинг кираверишидаги курсиларга ўтирдилар* — қадимги пайтларда суд кенгаши кўпинча шаҳар, сарой ёки маъбад дарвозаси олдидаги очиқ майдонда ўтказиларди.

26:18 *Яҳудо шоҳи Ҳизқиё даври* — милоддан олдинги 716-687 йиллар.

26:18 *…Михо…шундай деб айтган эди…* — Михо 3:12 га қаранг.

26:18 *Эгамизнинг уйи турган тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 17:3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

27:1 *Зидқиё* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий сурёнийча таржимадан (яна шу бобнинг 3, 12–оятларига ва 28:1 га қаранг). Ибронийча матнда *Ёҳайиқим* (Зидқиёнинг акаси).

27:1 *Зидқиё Яҳудода ҳукмронлигининг илк даври* — милоддан олдинги 593 йил (28:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

27:6 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

27:7 *Навухадназарнинг шоҳлиги қулагунча…* — милоддан олдинги 539 йилда Мидия ва Форс лашкарлари шоҳ Куруш бошчилигида Бобил шаҳрини босиб олишди.

27:19-21 *Навухадназар* — 22:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

27:19-21 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда *Ёхониё*, Ёҳайихиннинг яна бир исми (22:24 изоҳига қаранг).

27:22 *…ашёларнинг ҳаммаси Бобилга олиб кетилади* — 4 Шоҳлар 25:13-15 га қаранг.

28:1 *…Яҳудо шоҳи Зидқиё ҳукмронлигининг…тўртинчи йили бешинчи ойи…* — милоддан олдинги 593 йилнинг бешинчи ойи (1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Иброний календарининг Ав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июлнинг ўртасидан бошланади.

28:3 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

28:4 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда *Ёхониё*, Ёҳайихиннинг яна бир исми (22:24 изоҳига қаранг).

28:4 *…Бобилга сургун бўлган…ҳамма асирлар…* — 22:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

28:9 *…пайғамбарнинг башорати бажо бўлганидан кейингина…* — Қонунлар 18:21-22 га қаранг.

28:17 *Ўша йилнинг еттинчи ойи* — 28:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

29:1 *Навухадназар* — 22:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

29:2 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда *Ёхониё*, Ёҳайихиннинг яна бир исми (22:24 изоҳига қаранг).

29:3 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

29:14 *Мен сизларни яна фаровонликка эриштираман* — ёки *Мен сизларни асирликдан озод қилиб, Қуддусга қайтариб олиб келаман*.

30:2 *ўрама қоғоз* — папирус ёки ошланган теридан қилинган узун ўралган қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар одатда ўрама қоғоз шаклида бўлган.

30:3 *…Мен халқим Исроилни ва Яҳудони яна фаровонликка эриштираман* — ёки *…Мен халқим Исроилни ва Яҳудони асирликдан озод қилиб, Қуддусга қайтариб олиб келаман*.

30:10 *…Ёқуб…Исроил…* — Худонинг халқи, яъни шимолий ва жанубий шоҳликларнинг жамики аҳолиси назарда тутилган (2:4 изоҳига қаранг).

30:14 *ўйнашларинг* — Исроил халқининг иттифоқдошларига ишора.

30:17 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 3:14 изоҳига қаранг.

31:6 *Эфрайим* — 7:15 изоҳига қаранг.

31:6 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 12–оятида ҳам бор). 3:14

изоҳига қаранг.

31:15 *Рама шаҳри* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган. Роҳиланинг мақбараси Рама шаҳрининг яқинида, Зилзах деган ерда жойлашган (1 Шоҳлар 10:2 га қаранг).

31:15 *Болалари учун йиғлар Роҳила…* — мажозий маънодаги бу ибора Исроил учун, яъни шимолий шоҳлик учун тутилган азани билдиради, чунки милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар Исроилга ҳужум қилиб, аҳолисини сургун қилган эдилар. Шимолий шоҳликнинг иккита асосий қабиласи — Эфрайим ва Манаше қабилалари Роҳиланинг ўғли Юсуфдан келиб чиққан эди.

31:21 *бокира қиз* — 4:31 изоҳига қаранг.

31:22 *…Исроил Ўз Худосига чирмашиб олади* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…аёл эркакни қуршаб олади*. Бу мажозий иборанинг маъноси қуйидагича бўлиши мумкин: Худонинг халқи тўғри йўлга қайтиб, Худога содиқ бўлади.

31:23 *Мен халқимни яна фаровонликка эриштираман* — ёки *Мен халқимни асирликдан озод қилиб, она юртига қайтариб олиб келаман*.

31:23 *муқаддас тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 17:3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

31:26 *…одамлар мириқиб ухлаб, кучга тўлиб уйғонадилар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…Мен уйғониб, атрофимга разм солдим. Менинг уйқум ширин бўлган экан*. Бу гап мазкур бобнинг 23–оятида тилга олинган одамларнинг гапи бўлиши мумкин. Бу оят равон ўқилиши учун шу одамларнинг она юртидаги фаровон ҳаётини тасвирловчи гап сифатида таржима қилинган.

31:32 *хўжайин* — ёки *эр*.

31:37 *Замин пойдевори* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди.

31:38 *Ханонил минораси* — мазкур минора ва шу бобнинг 38-40–оятларида айтиб ўтилган барча жойлар Қуддус шаҳрининг чегараси бўйлаб жойлашган эди.

31:40 *Хиннум сойлиги* — 7:31-34 оятларга ва 7:31 нинг биринчи изоҳига қаранг.

32:1 *Зидқиё ҳукмронлигининг ўнинчи йили* — милоддан олдинги 586 йил (1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

32:1 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

32:4 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 5, 24, 25, 28, 29, 43–оятларида ҳам бор).

32:7 *…даламни сотиб олиш ҳуқуқига эгасан…* — Левилар 25:25 га қаранг.

32:9 *43 мисқол* — ибронийча матнда *17 шақал*, тахминан 195 граммга тўғри келади.

32:10 *…уни муҳрладим…* — васиқа ўралиб, очилмаслиги учун сурғуч билан тамға босиларди.

32:18 *…минглаб авлодларга…* — ёки *…мингинчи авлодга…* ёхуд *…мингларга…*.

32:22 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — 11:5 изоҳига қаранг.

32:24 *...шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйяптилар* — 6:6 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

32:35 *Хиннум сойлиги* — 7:31 нинг биринчи изоҳига қаранг.

32:35 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. 7:31 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

32:35 *...ўғил–қизларини Мўлахга қурбонлик қилиб, оловда куйдирдилар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ўғил–қизларини Мўлахга (оловдан) ўтказдилар*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

32:44 *...Мен халқимни яна фаровонликка эриштираман* — ёки *...Мен халқимни асирликдан озод қилиб, она юртига қайтариб олиб келаман*.

33:4 *қамал иншоотлари* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча девор ёнига баланд қурилмалар ясаганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

33:5 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

33:7 *Мен Яҳудо ва Исроил халқларини яна фаровонликка эриштираман...* — ёки *Мен Яҳудо ва Исроил халқларини асирликдан озод қилиб, она юртига қайтариб олиб келаман...* (шу бобнинг 26–оятида ҳам бор).

33:14 *Исроил* — шимолий шоҳликнинг аҳолиси назарда тутилган (2:4 изоҳига қаранг).

33:15 *солиҳ бир новда* — Довуд наслидан келиб чиқадиган шоҳга ишора.

34:1 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

34:2 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

34:5 *...ўтган шоҳларни қандай дафн қилишган бўлса, уларнинг шарафига қандай гулхан ёқишган бўлса...* — 2 Солномалар 16:14, 21:19 га қаранг.

34:11 *Кейинчалик* — Мисрликларнинг лашкари Қуддусга яқинлашгани сабабли Бобилликлар Қуддус қамалини вақтинчалик тўхтатган эдилар (шу бобнинг 21-22–оятларига ва 37:5-8 га қаранг). “Кейинчалик” сўзи ўша пайтга ишора қилади.

34:13 *...шундай деган эдим...* — Қонунлар 15:12 га қаранг.

34:18 *...бузоқни икки қисмга бўлиб, икки бўлаги орасидан ўтган эдилар* — бузоқнинг бўлакланиши бирор кишининг онт ичиб, ваъда беришга алоқадор бўлган урф–одат бўлса керак. Иккига бўлинган бузоқнинг орасидан ўтадиган одам: “Агар ўз ваъдамда турмасам, мен ҳам мана шу бузоқдай бўлакланай”, деб онт ичаётгандай бўлади.

34:21 *Вақтинчалик чекинган Бобил шоҳининг лашкари* — 37:5-8 га қаранг.

35:1 *Ёҳайиқим* — 1:3 нинг биринчи изоҳига қаранг.

35:6 *Ёҳунадав* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёнадав* (шу бобнинг 10, 19–оятларида ҳам бор).

35:11 *Навухадназар* — 22:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

35:11 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан

ҳам аталарди.

36:1 *Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йили* — милоддан олдинги 605 йил (1:3 нинг биринчи изоҳига қаранг).

36:2 *Ўрама қоғоз* — 30:2 изоҳига қаранг.

36:2 *Йўшиё даври* — 1:2 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

36:9 *Ёҳайиқим ҳукмронлигининг бешинчи йили тўққизинчи ойи* — милоддан олдинги 604 йилнинг тўққизинчи ойи (шу бобнинг 1–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Иброний календарининг Хислав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан ноябрнинг ўртасидан бошланади.

36:22 *Кеч куз* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Тўққизинчи ой*, яъни ноябрь ойи (шу бобнинг 9–оятига қаранг).

36:24 *...қайғудан кийимларини йиртмадилар* — кийимларни йиртиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Аммо бу вазиятда шоҳ ва унинг аъёнлари Худога итоатсизлик қилганлари учун ҳеч қандай афсус чекмаган эдилар, шунинг учун кийимларини йиртмадилар.

36:30 *Сенинг авлодингдан бирортаси ҳам Довуд тахтида ўтирмайди* — шоҳ Ёҳайиқимнинг ўғли Ёҳайихин уч ойгина ҳукмронлик қилди, сўнг Бобилга сургун қилинди (4 Шоҳлар 24:8-17 га қаранг).

37:1 *Навухадназар* — 22:25 нинг биринчи изоҳига қаранг.

37:1 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

37:1 *Ёҳайихин* — ибронийча матнда *Хониё*, Ёҳайихиннинг яна бир исми. Ёҳайихин милоддан олдинги 598 йилда уч ой давомида Яҳудода ҳукмронлик қилган.

37:5 *...фиръавн лашкари Мисрдан чиқди* — фиръавн Хофранинг лашкарига ишора. У шоҳ Зидқиёнинг иттифоқдоши бўлиб, ёрдамга келаётган эди. Хофра яна Априй исми билан танилган, у милоддан олдинги 589-570 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган. Кейинчалик рақиблари Мисрда унга суиқасд уюштириб, уни ўлдирдилар (44:30 га қаранг).

37:5 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 8, 9, 10, 11, 13, 14–оятларида ҳам бор).

37:12 *Бенямин ҳудуди* — Еремиё Бенямин ҳудудидаги Онотўт шаҳридан эди (1:1 га қаранг). У ўз мулки билан боғлиқ бўлган масала бўйича у ерга кетаётган эди (32:6-8 га қаранг).

38:1 *Ёҳухал* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Юхал*. Унинг Ёҳухал деган шакли 37:3 дан олинган.

38:2 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 18, 19, 23–оятларида ҳам бор).

38:7 *Ҳабашистонлик* — ибронийча матнда *Кушлик* (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор). 13:23 изоҳига қаранг.

38:7 *Бенямин дарвозасидаги маҳкама* — 26:10 изоҳига қаранг.

38:14 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

38:14 *Эгамиз Маъбадининг учинчи кириши* — 4 Шоҳлар 16:17-18 да айтиб ўтилган шоҳнинг шахсий йўлагига ишора бўлса керак. Маъбаднинг бу кириш жойидан фақат шоҳнинг ўзи фойдаланган. Бу кириш жой ҳақида Муқаддас Китобда бошқа ҳеч нарса ёзилмаган.

38:28 *Еремиё Қуддус қулаган кунга қадар соқчилар ҳовлисида қолди* — баъзи иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда қуйидаги гап қўшилган: *Қуддус қулаганда шу воқеалар юз берди*.

39:1 *Зидқиё ҳукмронлигининг тўққизинчи йили ўнинчи ойи* — милоддан олдинги 589 йилнинг ўнинчи ойи (1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Иброний календарининг Табат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

39:1 *Навухадназар* — милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

39:2 *Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йили тўртинчи ойи* — милоддан олдинги 586 йилнинг тўртинчи ойи (шу бобнинг 1–оятига ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг). Иброний календарининг Таммуз ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июннинг ўртасидан бошланади.

39:3 *...шаҳарнинг Ўрта дарвозасидаги маҳкамаларда қўмондонлик қароргоҳини жойлаштирдилар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...шаҳарнинг Ўрта дарвозасида ўтиришди*. Қадимги пайтларда шаҳар дарвозаси савдо–сотиқ, ижтимоий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш учун одамлар йиғиладиган жой эди.

39:3 *...Наргал–Шаразар, Самгарнаву, бош маслаҳатчи Сарсаҳим...* — ёки *...Самгарлик Наргал–Шаразар, бош маслаҳатчи Навусарсаҳим...*.

39:4 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган. Шоҳ ўз лашкари билан Иордан дарёсидан кечиб ўтиб, эҳтимол, Мўаб ва Оммон юртига қочмоқчи бўлган.

39:5 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

39:5 *Ривло шаҳри* — бу шаҳар Оронтес дарёси бўйида, ҳозирги Сурия ҳудудида жойлашган эди.

39:8 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

39:16 *Ҳабашистонлик* — ибронийча матнда *Кушлик*. 13:23 изоҳига қаранг.

39:16 *Обидмалек* — 38:7-13 га қаранг.

40:1 *Рама шаҳри* — 31:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

40:5 *Бу юртда қоладиган бўлсанг...* — ёки *Еремиё қайрилиб кетмасидан олдин, Набизарадон шундай деди...* ёхуд *Еремиё жавоб бермасидан олдин, Набизарадон яна шундай деди...*.

40:6 *Миспах шаҳри* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган.

40:8 *Язаниё* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Ёзаниё*. Унинг Язаниё деган шакли 4 Шоҳлар 25:23 дан олинган.

40:9 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор).

41:1 *Ўша йилнинг еттинчи ойи* — милоддан олдинги 586 йилнинг еттинчи ойи (39:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга

кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

41:1 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

41:1 *Миспах* — 40:6 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

41:3 *Бобиллик* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 17-18–оятларида ҳам бор).

41:5 *Шакам, Шилў ва Самария* — собиқ Исроилга, яъни шимолий шоҳликка қарашли бу шаҳарлар сажда марказлари бўлган.

41:5 *...соқолини қирган, кийимларини йиртган, таналарини тилган эдилар...* — соқол қириш, кийимларни йиртиш ва танани тилиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди (яна 16:6 изоҳига қаранг). Бу одамлар Қуддуснинг мағлубияти туфайли аза тутиб, Чайла байрамида Худога сажда қилиш ниятида Маъбадга кетаётган бўлишса керак.

41:7-9 *Ўлдирган одамларнинг жасадларини эса катта сардобага ташлади* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Исмоил Гадалиё туфайли ўлдирган одамларнинг жасадларини сардобага ташлади* ёки *Исмоил ўлдирган одамларнинг жасадларини сардобага — Гадалиёнинг жасади устига ташлади*.

41:7-9 *...бу сардобани Яҳудо шоҳи Осо...қурдирган эди* — Осо милоддан олдинги 911-870 йилларда, Башо милоддан олдинги 909-886 йилларда ҳукмронлик қилган. Шоҳ Осо бу сардобани Миспах шаҳрини мустаҳкамлаган пайтда қурдирган бўлса керак (3 Шоҳлар 15:20-22 га қаранг).

41:10 *Оммон юрти* — Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

41:12 *Гивон* — бу шаҳар Миспахдан бир неча километр узоқликда жойлашган эди.

42:1 *Озариё* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Ёзаниё*. Унинг Озариё деган шакли 43:2 дан олинган.

43:3 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

43:10 *Навухадназар* — милоддан олдинги 605-562 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган. У милоддан олдинги 605 йилда Кархамишдаги жангда фиръавн Нехони мағлуб қилди (46:2 га қаранг). Бу оятда эса Еремиё Навухадназарнинг анча кейин — милоддан олдинги 568-567 йилларда Миср устидан қозонган зафарига ишора қилади.

43:13 *Қуёш саждагоҳи* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Қуёш уйи*. Мисрликларнинг қуёш худоси Ра саждагоҳига ишора қилинган бўлиши мумкин. Ёки шу саждагоҳ жойлашган Гелиополь шаҳри назарда тутилгандир. Гелиополь ҳозирги Қоҳира шаҳридан қарийб 11 километр шимоли–шарқда, Нил дарёси бўйида жойлашган эди.

44:1 *Тахпанхас ва Нуф шаҳарлари* — 2:16 нинг биринчи изоҳига қаранг.

44:1 *Мисрнинг жануби* — ибронийча матнда *Патрўс*, Миср жанубий ҳудудининг қадимги номи.

44:15 *...Мисрнинг шимолий ва жанубий ҳудудида...* — ибронийча матнда *...Мисрда, Патрўсда...* (шу бобнинг 1–оятига қаранг).

44:17 *само қироличаси* — 7:18 изоҳига қаранг.

44:30 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

44:30 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

44:30 *Хофра* — 37:5 нинг биринчи изоҳига қаранг.

45:1 *Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йили* — милоддан олдинги 605 йил (1:3 нинг биринчи изоҳига қаранг).

45:1 *ўрама қоғоз* — 30:2 изоҳига қаранг.

45:1 *Еремиё юқоридаги сўзларни…ёздиргандан сўнг…* — 36:1-4 га қаранг.

46:2 *Нехо* — милоддан олдинги 609-594 йилларда ҳукмронлик қилган.

46:2 *Ёҳайиқим ҳукмронлигининг тўртинчи йили* — милоддан олдинги 605 йил (1:3 нинг биринчи изоҳига қаранг). Фиръавн Нехонинг Кархамишдаги мағлубиятидан сўнг Ўрта ер денгизининг шарқидаги ерлар Навухадназарга тобе бўлди.

46:2 *Навухадназар* — 39:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

46:9 *Ҳабашистонлик* — ибронийча матнда *Кушлик*. 13:23 изоҳига қаранг.

46:9 *Ливия* — ибронийча матнда бу юртнинг қадимги номи *Фут*.

46:9 *Лидия* — ибронийча матнда бу юртнинг қадимги номи *Луд*. Бу юрт ҳозирги Туркиянинг шарқида жойлашган эди.

46:11 *бокира қиз* — 4:31 изоҳига қаранг.

46:11 *Гилад* — 8:22 изоҳига қаранг.

46:14 *Нуф ва Тахпанхас шаҳарлари* — 2:16 нинг биринчи изоҳига қаранг.

46:15 *Жангчиларингиз мағлуб бўлади…Эгамизнинг Ўзи уларни уради* — ёки *Апис қочади. Худо Аписни ургани учун, у дош бермайди*. Апис муқаддас буқанинг номидир. Мемфис аҳолиси унга топиниб, у худо Птахнинг ердаги қиёфаси деб ишонишарди.

46:16 *Улар қайта–қайта қоқиладилар…* — ёки *Худо уларнинг ҳаммасини қоқилтиради…*.

46:18 *Товур тоғи…Кармил тоғи* — қадимги Исроилнинг шимолидаги икки тоғ.

46:20 *шимол сўнаси* — Бобил лашкарига ишора (1:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

46:23 *чигиртка* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

46:24 *Шимолдаги халқ* — шу бобнинг 20–ояти изоҳига қаранг.

46:25 *Нў* — Фива номи билан ҳам маълум. Фива шаҳри Миср жанубий ҳудудининг маркази бўлиб, Миср тарихида бирмунча вақт пойтахт ҳам бўлган эди.

46:25 *Омон* — Миср худоларининг ҳукмдори ҳисобланган. Бу худо фиръавнларнинг ҳомийси ҳисобланган.

46:27 *…Ёқуб…Исроил…* — Худонинг халқи, яъни шимолий ва жанубий шоҳликларнинг жамики аҳолиси назарда тутилган (2:4 изоҳига қаранг).

47:1 *Ғазо шаҳри* — Филистия ўлкасидаги Филист халқига қарашли бу шаҳар Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

47:4 *Тир ва Сидон* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар. Филистлар бу шаҳарлар билан иттифоқ тузган эдилар. Тир ва Сидон Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ерлар Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

47:4 *Хафтўр* — Крит номи билан ҳам маълум. Филист халқининг аждодлари Крит оролидан келган эдилар.

47:5 *Ашқалон* — Филистия ўлкасидаги Филист халқига қарашли бу шаҳар Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

47:5 *...Филист забардастларининг омон қолганлари* — ёки *...Филистлар водийсида омон қолганлар*.

47:5 *...сочларини қирдиради...Қачонгача ғам чекиб, баданингизни тиласиз?!* — 16:6 изоҳига қаранг.

48:1 *Мўаб* — бу юрт Ўлик денгизнинг шарқида жойлашган эди.

48:1 *Наво...Хиратайим* — Мўаб юртидаги шаҳарлар.

48:1 *Унинг қалъаси* — ибронийча матнда *Мизгаб*, Мўаб юртидаги номаълум бир шаҳарга ишора бўлиши мумкин.

48:2 *...Хашбон...Мадмон...* — Мўаб юртидаги шаҳарлар.

48:3 *Хўронайим* — Мўаб юртидаги шаҳар.

48:9 *Мўаб учун қабр тоши тайёрланг, Кўп ўтмай Мўаб йўқ бўлади* — ёки *Мўаб устига туз сочинг, чунки Мўаб тақир чўлга айланади* ёхуд *Қанийди, Мўабнинг қанотлари бўлса, Мўаб учиб кетган бўларди*.

48:13 *Байтилдаги бузоқ* — 3 Шоҳлар 12:28-33, 4 Шоҳлар 10:29 га қаранг. Хўшея 10:5-8 оятларга ва Хўшея 10:5 нинг изоҳларига ҳам қаранг.

48:17 *салтанат ҳассаси* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

48:18 *Дибон* — Мўаб юртидаги мустаҳкам шаҳар.

48:19 *Арор* — Мўаб юртига қарашли бу шаҳар Дибондан қарийб 10 километр жануби–шарқда, Арнон сойлиги яқинида жойлашган эди.

48:21 *Яхаз* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Яхзо*.

48:24 *Бозрах* — Мўаб юртидаги шаҳар. 49:13 да айтиб ўтилган Эдом юртининг пойтахти Бозрахдан бошқа шаҳар.

48:26 *маст* — бу ўринда шароб Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (25:15-29 га ва Ишаё 51:17-23 га қаранг).

48:31 *Хир–Харасот* — ибронийча матнда бу номнинг бошқа варианти *Хир–Харес* (шу бобнинг 36–оятида ҳам бор). Бу шаҳар Хир номи билан ҳам аталган бўлиб, Мўаб юртининг пойтахти эди.

48:32 *Мен ҳам, Язир шаҳри сингари, сизлар учун қайғураман* — ёки *Мен, Язир шаҳридан кўра, сизлар учун кўпроқ қайғураман*.

48:32 *Язир шаҳри* — қадимий юнонча таржимадан (яна Ишаё 16:8 га қаранг). Ибронийча матнда *Язир денгизи*.

48:33 *узум сиқиш чуқурлари* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

48:35 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. 7:31 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

48:37 *...сочини олдирган...соқолини қириб ташлаган...қўлларини тилган...* — 16:6 изоҳига қаранг.

48:37 *...қанор ўраб олган* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанорга ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

48:38 *...томлар устида...* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди. Мўабда эса одамлар том устида ором олмай, қайғу ва изтироб чекардилар.

48:41 *Мўаб шаҳарлари* — ёки *Харийўт шаҳри*. Бу ўриндаги ибронийча сўз *унинг шаҳарлари* деган маънони англатиши ёки Харийўт шаҳрининг номини билдириши мумкин (шу бобнинг 24–оятига қаранг).

48:45 *шоҳ Сихўннинг шаҳри* — шоҳ Сихўн ҳукмронлик қилган даврда Хашбон шаҳри Амор юртининг пойтахти эди (Қонунлар 2:24 га қаранг). Еремиё бу башоратини айтган пайтда эса Хашбон шаҳри Мўаб шоҳлигига қарашли эди.

48:45 *Аммо олов чиқади Хашбон шаҳридан...Исёнкор одамларнинг бошини ейди* — Саҳрода 21:26-29 да ҳам Мўабнинг ҳалокати шунга ўхшаш сўзлар билан тасвирланган. Яна шу бобнинг 2–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

48:47 *...Мен Мўаб халқини яна фаровонликка эриштираман* — ёки *...Мен Мўаб халқини асирликдан озод қилиб, она юртига қайтариб олиб келаман*.

49:1 *Оммон* — 41:10 изоҳига қаранг.

49:1 *Мўлах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Милком* (шу бобнинг 3–оятида ҳам бор). Мўлах Оммон халқининг худоси эди.

49:2 *Рабба* — Оммон юртининг пойтахти эди.

49:3 *Хашбон* — Мўаб ва Оммон юртининг чегарасидаги муҳим шаҳар. Қайси юртнинг қўли баланд келса, ўша юрт Хашбонга эгалик қиларди. Еремиёнинг бу оятдаги башоратига кўра, ўша пайтда Хашбон Оммонликларнинг қўли остида бўлган. Яна 48:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

49:3 *Ай шаҳри* — Ёшуа 7-8–бобларда ҳикоя қилинган Айдан бошқа шаҳар. Ёшуа китобидаги Ай шаҳри Иордан дарёсининг ғарб томонида жойлашган эди. Мазкур оятдаги Ай эса Мўаб юртига қарашли шаҳар бўлиб, унинг айнан қаерда жойлашгани маълум эмас.

49:3 *Қаноргa ўраниб...* — 4:8 изоҳига қаранг.

49:3 *...Қайғудан баданингизни тилинг* — ёки *...Девор билан ўралган шаҳарларингизнинг ичида саросимага тушганингиздан у ёққа, бу ёққа югуринг*. Баданни тилиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

49:4 *қиз* — 4:31 изоҳига қаранг.

49:4 *Нечун кучинг билан мақтанасан? Сенинг кучинг қирқилади!* — ёки *Нечун ҳосилдор водийларинг билан мақтанасан?* ёхуд *Нега водийларинг билан мақтанасан? У ерда қон дарё бўлиб оқади!*

49:6 *...Мен Оммон халқини яна фаровонликка эриштираман* — ёки *...Мен Оммон халқини асирликдан озод қилиб, она юртига қайтариб олиб келаман* (шу бобнинг 39–оятида ҳам бор).

49:7 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди.

49:7 *Темон* — Эдом юртининг шимолида жойлашган шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудуд. Бу ўринда Темон Эдомнинг шеърий номи сифатида ишлатилган (шу бобнинг 20–оятида ҳам бор).

49:8 *Дедон* — Арабистон ярим оролининг шимоли–ғарбида жойлашган шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудуд. Ўша даврда Дедонликларнинг катта бир гуруҳи Эдом юртида истиқомат қилган бўлса керак.

49:8 *Эсов насли* — Исроил халқи Ёқубдан, Эдом халқи эса Ёқубнинг акаси Эсовдан келиб чиққан эди.

49:12 *Жазо косаси* — Худо ғазабининг рамзи бўлган шароб косасига ишора. Мана шу шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (25:15-29 га ва Ишаё 51:17-23 га қаранг).

49:13 *Ўз номим билан қасам ичиб…* — 22:5 изоҳига қаранг.

49:13 *Бозрах шаҳри* — Эдом юртининг пойтахти.

49:17-18 *Садўм, Ғамўра…* — 23:14 изоҳига қаранг.

49:21 *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *Ём–Суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу оятдаги мана шу ном ҳозирги Ақаба қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–шарқидаги қўлтиғига) ишора қилади.

49:23 *Хомат билан Арпад аҳли* — ҳозирги Суриянинг шимолида жойлашган шаҳарлар. Шимолдан келган душман лашкарлари йўл–йўлакай бу шаҳарларга ҳам ҳужум қилишган.

49:25 *Қувонч макони* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *Қувончим макони*.

49:28 *Навухадназар* — 39:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

49:28 *Кедар ва Хазор* — Арабистон ярим оролининг шимолида жойлашган ерлар.

49:32 *Сочини олдириб юрган…* — 9:26 нинг биринчи изоҳига қаранг.

49:34 *Зидқиё* — 1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

49:34 *Элам юрти* — бу юрт Бобил юртидан жануби–шарқда, ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган эди.

50:1 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 8, 25, 35–оятларида ҳам бор).

50:2 *…Бэл…Мардух…* — Бэл Бобилнинг бош худоси эди. Бэл Мардух исми билан ҳам танилган.

50:5 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 28–оятида ҳам бор). 3:14 изоҳига қаранг.

50:10 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 45–оятида ҳам бор).

50:11 *…Яйловдаги бузоқдай…* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *…Буғдой янчаётган ҳўкиздай…*.

50:17 *Исроил халқи* — шимолий ва жанубий шоҳликларнинг халқи назарда тутилган (2:4 изоҳига қаранг). Шу бобнинг 20–оятида эса бу иккала шоҳлик “Исроил” ва “Яҳудо” деб алоҳида–алоҳида айтиб ўтилган.

50:17 *Оссурия шоҳи* — Тиғлатпиласарнинг ўғли Шалманасар ёки Шалманасарнинг вориси Саргон II назарда тутилган бўлиши мумкин (4 Шоҳлар

17:3-6 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг).

50:17 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

50:19 *...Кармил...Башан...Эфрайим...Гилад...* — илгарилари бу ерлар собиқ Исроилга, яъни шимолий шоҳликка қарашли эди.

50:21 *Маротайим* — Бобил юртидаги ерларнинг ибронийча номи. Бу ерлар Дажла ва Фурот дарёлари кесишган жойдаги Форс қўлтиғи яқинида жойлашган. Ибронийчада Маротайим номи *икки баробар итоатсиз* деган маънони билдиради, бу оятда Бобил шу ном билан таърифланади.

50:21 *Пахўд* — Бобил юртининг жануби–шарқида яшаган халқнинг номи. Ибронийчада Пахўд номининг маъноси *жазо* бўлиб, бу оятда Бобил халқининг қисматига ишора қилади.

50:40 *Садўм, Ғамўра...* — 23:14 изоҳига қаранг.

50:42 *қиз* — 4:31 изоҳига қаранг.

51:1 *унинг аҳолиси* — ибронийча матнда *Леб–қамай*, Бобил аҳолисига нисбатан ишлатилган яна бир ном.

51:4 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 54–оятида ҳам бор).

51:7 *маст* — бу ўринда шароб Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (25:15-29 га ва Ишаё 51:17-23 га қаранг).

51:10 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 35–оятида ҳам бор). 3:14 изоҳига қаранг.

51:11 *Мидия шоҳлари* — Мидия шоҳлигига қарашли кичкина шоҳликлар. Бу шоҳликлар Бобил юртидан шимоли–шарқда жойлашган эди (яна шу бобнинг 27–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Улар Форсларга қўшилиб, Бобилга ҳужум қилган эдилар.

51:13 *Ҳаётинг ипи узилди* — ўлимни билдирувчи ибора. Ишаё 38:12 га қаранг.

51:14 *Чигирткадай* — 46:23 изоҳига қаранг.

51:24 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 35–оятида ҳам бор).

51:27 *Арарат, Миннах ва Ашканоз шоҳликлари* — Бобил юртидан шимолда жойлашган бўлиб, Мидия шоҳлигига қарам эди (шу бобнинг 28–оятига қаранг).

51:32 *...Тўқайларга ўт қўйилди...* — қочган одамлар баланд қамишлар орасига яширинишарди.

51:33 *Қиз* — 4:31 изоҳига қаранг.

51:33 *...у янчилади* — донни бошоқдан ажратиш жараёни янчиш дейилади. Қадимги Яқин Шарқда бу иш дон бошоқларини таёқ билан уриш, устидан тепкилаш ёки хўптир юргизиш орқали бажарилган (хўптир — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта). Янчиш сўзи кўпинча Эски Аҳдда ҳукмга ёки урушда ҳалокатга дучор бўлишга нисбатан кўчма маънода ишлатилган.

51:34 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

51:35 *танам* — ёки *мен ва қариндошларим*.

51:39 *маст* — шу бобнинг 7–ояти изоҳига қаранг.

51:41 *Бобил* — ибронийча матнда *Шашах*, Бобилга нисбатан ишлатилган яна бир ном.

51:44 *Бэл* — Бобилнинг бош худоси эди. Мардух исми билан ҳам танилган.

51:59 *Зидқиё ҳукмронлигининг тўртинчи йили* — милоддан олдинги 593 йил (1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

51:60 *ўрама қоғоз* — 30:2 изоҳига қаранг.

52:1 *Зидқиё йигирма бир ёшида шоҳ бўлди…* — милоддан олдинги 597 йил (1:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Шоҳ Навухадназар Ёҳайихинни Бобилга сургун қилгандан кейин Яҳудо тахтига Зидқиёни ўтқизди (37:1 ва 4 Шоҳлар 24:8-17 га қаранг).

52:1 *Еремиё* — Еремиё пайғамбардан бошқа одам.

52:4 *Зидқиё ҳукмронлигининг тўққизинчи йили ўнинчи ойи* — милоддан олдинги 589 йилнинг ўнинчи ойи. Иброний календарининг Табат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

52:4 *Навухадназар* — 21:2 изоҳига қаранг.

52:4 *қамал иншоотлари* — 33:4 изоҳига қаранг.

52:5 *Зидқиё ҳукмронлигининг ўн биринчи йили* — милоддан олдинги 586 йил.

52:6 *Тўртинчи ой* — иброний календарининг Таммуз ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июннинг ўртасидан бошланади.

52:7 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 17–оятида ҳам бор).

52:7 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсининг бир қисмига, айнан Ўлик денгизнинг шимолидаги ерларга нисбатан ишлатилган.

52:8 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 14–оятида ҳам бор).

52:9 *Ривло шаҳри* — бу шаҳар Оронтес дарёси бўйида, ҳозирги Сурия ҳудудида жойлашган эди.

52:12 *Навухадназар ҳукмронлигининг ўн тўққизинчи йили бешинчи ойи* — милоддан олдинги 586 йил. Оятдаги воқеа Қуддус қулагандан кейин бир ой ўтгач юз берган эди (шу бобнинг 6-7–оятларига ва 6–оятнинг изоҳига қаранг).

52:15 *қолган–қутган ҳунармандлар* — Навухадназар бундан ўн бир йил олдин, яъни милоддан олдинги 597 йилда, кўп ҳунармандларни ўзи билан Бобилга олиб кетган эди (4 Шоҳлар 24:12-16 га қаранг).

52:17 *…бронза устунларни, араваларни, бронза ҳовузни…* — 3 Шоҳлар 7:15-39 га қаранг.

52:20 *…ҳовузга, ҳовуз остидаги ўн иккита буқага ва араваларга…* — қадимий юнонча таржимадан (яна 3 Шоҳлар 7:25 га қаранг). Ибронийча матнда *…ҳовузга, аравалар остидаги ўн иккита буқага….*

52:21 *…баландлиги 18 тирсак, тевараги 12 тирсак…* — баландлиги тахминан 8,1 метрга, тевараги тахминан 5,4 метрга тўғри келади.

52:22 *5 тирсак* — тахминан 2,3 метрга тўғри келади.

52:22 *анор* — қадимги пайтларда ҳаёт рамзи эди.

52:28 *Ҳукмронлигининг еттинчи йили* — милоддан олдинги 597 йил.

52:29 *ўн саккизинчи йили* — милоддан олдинги 586 йил.

52:30 *йигирма учинчи йили* — милоддан олдинги 581 йил.

52:31 *...Бобил тахтига Эвилмардух ўтирди* — у Навухадназарнинг ўғли бўлиб, милоддан олдинги 562-560 йилларда Бобилда ҳукмронлик қилган.

52:31 *ўн иккинчи ой* — иброний календарининг Адар ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан февралнинг ўртасидан бошланади.

ЕРЕМИЁ ПАЙҒАМБАРНИНГ
МАРСИЯСИ

Кириш

Мазкур китоб милоддан олдинги 586 йилда Қуддуснинг қулаши ва Яҳудо халқининг Бобилга сургун қилиниши муносабати билан ёзилган. Китоб бешта шеърий тўпламдан, яъни беш бобдан ташкил топган. Чуқур қайғу ифодаси бўлган бу шеърлар марсия деб аталади. Мазкур шеърлар Қуддус шаҳри номидан ва “пайғамбар” деб аталган китоб муаллифи номидан баён қилинган. Бу китоб муаллифи Еремиё пайғамбардир.

Қуддус ўз гуноҳлари учун жазо тортаётганини Еремиё пайғамбар тан олади, лекин у Қуддус ва Маъбад вайрон бўлганидан, Яҳудо аҳолиси асирликка олиб кетилганидан қаттиқ қайғуради. Бироқ умид учқунлари ўшандай мусибатли дамларда ҳам ўчмайди. Китоб муаллифи Худонинг эзгулигига, севгисига ва садоқатига қаттиқ ишонади. У Худога ёлвориб, халққа раҳм–шафқат қилишини сўрайди.

1–БОБ

Қуддуснинг бошига келган кулфат

1 Вой шўрим!
Одамларга тўлиб–тошган бир вақтлар,
Нақадар ёлғиздир энди бу шаҳар!
Халқлар орасида шуҳрат қозонган,
Энди бир бева аёлга у ўхшаб қолган.
У вилоятлар орасида маликадай эди,
Энди у бир чўрига ўхшаб қолди.

2 Кечалари у аччиқ–аччиқ йиғлайди,
Кўзларидан ёшлар оқади.
Уни юпатадиган бирон кимса
Йўқдир ўйнашларининг орасида.
Дўстлари унга хиёнат қилишди,
Унга душман бўлиб қолишди.

3 Яҳудо* халқи сургун бўлиб, азоблар тортди,
Тутқунликнинг машаққатини у тотиб кўрди.
Бегона халқлар орасида ўрнашганда,
Ўзига ором топа олмади.
У танг аҳволга тушиб қолганда,
Таъқиб этувчилар уни қўлга олди.

4 Қуддусга* борадиган йўллар тутяпти мотам,
Ахир, белгиланган байрамларга келмас бирор ҳам одам.
Шаҳарнинг ҳамма дарвозалари ҳувиллаб қолди,
Руҳонийлари хўрсиниб ўтирибди.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Қуддуслик қизлар* қайғуга ботган,
Қуддуснинг ўзи ҳам изтиробда қолган.

5 Қуддусга душманлари бош бўлди,
Унинг ғанимлари равнақ топди.
Қуддус беҳад кўп гуноҳ қилди,
Шу сабабдан Эгамиз уни азобга солди.
Қуддуснинг фарзандлари сургун қилинди,
Ғанимлари уларни олиб кетди.

6 Қиз* Қуддус ўз савлатини йўқотди.
Йўлбошчилари ўтлоқ топа олмаган кийикка ўхшайди.
Овчидан қочишга уларнинг мадори қолмади.

7 Кулфату саргардонлик кунларида
Қуддус олдинги хазиналарини эслади.
Унинг аҳолиси душманларга* таслим бўлганда,
Қуддусга ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ эди.
Ғанимлари унинг қулашини томоша қилиб,
Қуддусни масхара қиларди.

8 Ҳа, Қуддус жирканч гуноҳга қўл урди,
Атрофдагиларга у кулги бўлди.
Олдин уни эъзозлаганларнинг ҳаммаси
Энди ундан ҳазар қилади.
Қуддуснинг шармандалигини улар кўрдилар.
Мана энди Қуддус хўрсиниб ўтирибди,
Ҳаммадан юзини яшириб ўтирибди.

9 Унинг нопоклиги кийимини доғ қилди,
Келажаги ҳақида у қайғурмади.
У даҳшатли тарзда қулади,
Унинг юпатувчиси йўқ эди.
У шундай деб ёлворди:
“Кулфатимга бир назар солгин, эй Эгам,
Зеро, душманларим ғолиб келди устимдан!”

10 Ғанимлар Қуддус хазиналарига чанг солди.
Қуддуснинг кўзи олдида
Бегона халқлар муқаддас маконга кирди.
Аммо Эгамиз ўша ғайрияҳудийларга
Ҳатто Исроил жамоаси йиғинида бўлишни ман этганди!*

11 Мана энди шаҳардаги ҳамма одамлар хўрсиниб,
Бир бурда нонни излаб юрибди.
Улар бойликларини сотиб, овқат олишяпти,
Шу йўсин ўз жонларини сақлашяпти.
Қуддус шундай деб ёлвормоқда:
“Эй Эгам, менга бир боққин,
Хор бўлганимни кўриб қўйгин!”

12 Қуддус ўтган–кетганларга хитоб қилади:
“Наҳотки сизларга барибир бўлса?!*
Менга бир қаранглар! — деб ёлворади. —
Эгамиз ғазаб кунида менга азоб берган,
Бундай азобни ҳеч ким кўрмаган.

13 У осмондан олов юборди,
Ўша олов ичимни ёндирди.
Эгамиз оёғимга тузоқ қўйди,
Мени ортга қайтишга мажбур қилди.
Адойи тамом қилди мени Худойим,
Азобу аламда қолди менинг жоним.

14 Гуноҳларим бўйинтуруққа айланган,
Ўша бўйинтуруқни Эгамизнинг Ўзи ясаган.
У гуноҳларимни* бўйнимга осди.
Мени тамом ҳолдан тойдирди.
Раббий берди мени душманларим қўлига,
Мен қаршилик қила олмайман уларга.

15 Раббий кучли жангчиларимни рад этди,
Йигитларимни яксон қилиш учун лашкар юборди.
Бокира қиз Яҳудони* Раббий узум эзгандай эзди*.

16 Шунинг учун мен фарёд қиламан,
Кўз ёшимни сел–сел оқизаман.
Ахир, юпатувчим мендан узоқда,
Жонимга оро кирувчи олисда.
Эвоҳ, душманларим мендан ғолиб келди,
Фарзандларим хонавайрон бўлди.”

17 Қуддус қўлларини чўзиб ёрдам сўрайди,
Бироқ ҳеч ким уни юпатмайди.
Эгамиз қўшни халқларга амр берди,
Шунда ҳаммаси Ёқуб наслига душман бўлиб қолди.
Душманларининг назарида
Қуддус ахлатдай жирканч бўлиб қолди.

18 Қуддус айтмоқда:
“Ҳа, менинг Эгам ҳақ,
Ахир, ўзим Унинг амрига қарши бош кўтардим.
Эй халқлар, менга қулоқ солинг,
Менинг кулфатимни кўриб қўйинг.
Менинг йигит–қизларим сургун бўлди.

19 Мен ўйнашларимни чақирдим,
Улар эса мени алдашди.
Жонини сақлаш учун нон излаган
Руҳонию оқсоқолларим кўчаларда жон берди.

20 Эй Эгам, кўриб қўйгин қайғумни,

Кўргин тўкилиб турган юрагимни.
Эвоҳ, юрак–бағрим эзилиб кетди,
Ахир, мен Сенга қарши бош кўтардим.
Ана, ташқарида қилич одамларни чопяпти,
Ичкарида ўлим ҳукмронлик қиляпти.

21 Одамлар оҳу нолаларимни эшитди,
Бироқ менинг юпатувчим йўқ эди.
Ғанимларим эшитди кулфатларим ҳақида,
Хурсанд бўлишди қилган ишингдан шунда.
Сен эълон қилган ўша кунинг келсин,
Душманларим ҳам менинг ҳолимга тушсин.

22 Назарингдан қочмасин уларнинг қилган қабиҳликлари,
Гуноҳим учун мени жазолагандай жазолагин уларни.
Кўпдир менинг оҳу нолаларим,
Ҳеч ҳам қолмади менинг мадорим.”

2–БОБ

Эгамиз Қуддусни жазолайди

1 Вой шўрим!
Раббий ғазабланиб,
Қиз* Қуддусни* зулмат билан қоплади,
У Исроилнинг салобатини
Осмондан ерга улоқтирди.
Қаттиқ қаҳри келганда,
Ўз пойандози бўлган Маъбадини эсга олмади.

2 Раббий аёвсиз вайрон қилди
Ёқуб наслининг масканларини.
Ғазаби келиб яксон қилди
Қиз Яҳудонинг* қалъаларини.
Оёқ ости қилиб, хўрлади
Шоҳликни ва унинг ҳукмдорларини.

3 У қаттиқ ғазабга миниб,
Исроилнинг бор қудратини йўқ қилди*.
Ғанимлар ҳужум қилганда,
Ўз халқини ҳимоя қилмади.
Авжига чиққан олов ёндиргандай,
Ёқубнинг юртини ёндириб юборди.

4 У ғанимдай бизга қарата ёйини тортди,
Ўқ узишга Унинг қўли тайёр турарди.
У келишган йигитларимизни душмандай ўлдирди.
Қиз Қуддуснинг чодирларига оловдай қаҳрини сочди.

5 Раббий душманга ўхшаб қолди,
Исроил юртини вайрон қилди.
Хароб қилди барча саройларини,

Яксон этди Исроил қалъаларини.
Қиз Яҳудога келтирди ғам–ғусса,
Унинг қайғусини орттирди минг ҳисса.

6 Боғдаги чайлани йиқитгандай,
Маъбадини У бузиб ташлади*.
Қуддусдаги байрам ва Шаббат кунларини
Эгамиз бекор қилди.
Шоҳлар ва руҳонийларни
Ғазаб устида рад этди.

7 Раббий Ўз қурбонгоҳидан воз кечди,
Ўз масканини ташлаб кетди.
Қуддус саройларини ёвнинг қўлига берди.
Эгамиз уйидаги ёвнинг ҳайқириғи
Байрамдаги шодон овозларга ўхшайди.

8 Ҳа, Эгамиз қиз Қуддуснинг деворларини
Вайрон этишга қарор қилди.
Деворларга бирма–бир қараб чиқди,
Шаштидан қайтмади, ҳаммасини яксон қилди.
Энди қалъаю деворлар қайғуряпти,
Ҳаммаси хароб бўлиб ётибди.

9 Қуддус дарвозалари тупроққа беланиб ётибди,
Дарвоза тамбалари парчаланиб ётибди.
Шоҳу амалдорлари сургун бўлишди,
Қонунлар халққа ўргатилмас энди.
Эгамиздан ваҳийлар
Пайғамбарларга келмас энди.

10 Қиз Қуддуснинг оқсоқоллари
Сукут сақлаб ерда ўтирибди.
Бошларидан улар тупроқ сочган,
Ўзлари қанорга ўранган*.
Бошларини солиб қуйи
Ўтирибди Қуддус қизлари.

11 Йиғлайвериб кўзларим толган,
Ичимда юрагим тўкилиб кетган.
Жигар–бағрим эзилиб кетди,
Ахир, менинг халқим қирилиб кетди!
Оч қолган гўдагу чақалоқлар
Шаҳар кўчаларида ҳушсиз ётибди!

12 “Қорним очди! Чанқадим!” деб
Оналарига улар фарёд қилар.
Яралар жангчидай шаҳар кўчаларида ҳушсиз ётишар.
Оналарининг бағрида жон таслим этишар.

13 Сен ҳақингда нима айтай?!

Сени кимга солиштирай, эй қиз Қуддус?
Нима деб юпатай?!
Сени кимларга ўхшатай, эй бокира қиз Сион?
Денгиздай чексиздир сенинг кулфатинг,
Энди шифо бера олмас сенга ҳеч ким!

14 Сенинг пайғамбарларинг
Ёлғон ва беҳуда ваҳийлар айтишди.
Гуноҳларингни фош қилишмади,
Сургуннинг олдини олишмади.
Ёлғон башоратлар айтиб,
Сени йўлдан оздиришди.

15 Ўтган–кетганлар сендан ор қилиб,
Қўл силтаб кетадилар.
Ёқасини ушлаб, бошларини чайқайдилар,
Эй қиз Қуддус, сени мазах қилиб шундай дейдилар:
“Гўзалликда комил шаҳарми шу?!
Бутун дунёнинг севинчимиш у!”

16 Барча ёвларинг устингдан кулади,
Ҳолингни кўриб ёқасини ушлайди.
Тишларини ғижирлатиб айтишади:
“Биз уни ямладик!
Воҳ, қандай интизорлик билан
Бу кунни кутган эдик!
Ниҳоят, ўша кунга етдик!”

17 Эвоҳ, Эгамиз Ўз режаларини амалга оширди,
Ўз айтганларини битта қолдирмай бажарди.
У азалдан огоҳлантириб келгандай
Сизларни аёвсиз қириб ташлади.
Ғанимларнинг қудратини* юксалтирди,
Аҳволингиздан душманларни хурсанд қилди.

18 Шаҳар аҳлининг қалби Раббийга фарёд қилмоқда,
Эй қиз Қуддуснинг деворлари!
Кўз ёшингиз кечаю кундуз дарё бўлиб оқсин.
Нолаю фарёдингиз асло тинмасин,
Кўз ёшингиз тўхтамасин!

19 Тур, эй қиз Қуддус!
Кечаси билан Худога илтижо қилиб чиққин!
Юрагингни Раббийга сувдай тўкиб солгин!
Қўлларингни узат осмонга,
Фарзандларинг учун ёлворгин Унга!
Ахир, улар очликдан ҳушсиз ётибди
Ҳар бир кўчанинг бошида.

20 Шундай ибодат қилгин:
“Эй Эгам, кўрмайсанми буни:

Не кўйларга солиб қўйдинг Сен халқингни?!
Оналар эркалатиб ўстирган фарзандларини ейишяпти–ку!
Руҳонию пайғамбарлар масканингда қирилиб кетяпти–ку!

21 Ёшу қариларнинг жасадлари кўчада чангга беланиб ётибди.
Қилич дастидан йигиту қизларим жувонмарг бўлди.
Сен ғазабинг келган куни уларни ҳалок қилдинг,
Аёвсиз уларни қириб ташладинг.

22 Менга қарши йиғдинг Сен теваракдаги ёвларни,
Гўё зиёфатга чақиргандай таклиф қилдинг уларни.
Ўша куни Сенинг ғазабингдан ҳеч ким қутулолмади,
Бирор одам ўз жонини сақлаб қололмади.
Эвоҳ, эркалаб ўстирган болаларимни*
Душманларим ўлдирди.”

3–БОБ

Умид учқунлари

1 Азобларда қолган инсонман,
Худонинг ғазаби туфайли таёқ едим.
2 Бошлаб борди Эгам мени зулматга,
Нур тушмайдиган қоронғи жойга.
3 Ёлғиз менга қарши У қўл кўтарди,
Кун бўйи мени қайта–қайта жазолади.

4 Қаритиб юборди эту теримни,
Синдириб ташлади суякларимни.
5 Ғам–аламга мени тутқун қилди,
Жабру жафо зиндонига мени ташлади.
6 Мажбур қилди мени зимистонда яшашга,
Ўхшаб қолдим мен анча олдин ўлган одамга!

7 Қочиб кетмасин дея, Худо атрофимни қуршади,
Оғир занжирлар билан мени кишанбанд этди.
8 Ёрдам сўраб ёлворсам ҳам мен Унга,
Қулоқ солмас У менинг фиғонимга.
9 Йўнилган тошлар билан У йўлимни тўсди,
Юрган йўлимни чалкаштириб юборди.

10 Пойлади У мени айиқдай,
Ташланмоқчи бўлди менга шердай.
11 Сўнг мени судради бир четга,
Ғажиди, солиб кетди танг аҳволга.
12 Худо Ўз ёйини тортди,
Ўқларига мени нишон қилди.

13 Садоғидаги ўқлари билан юрагимни тешди.
14 Мана энди ўз халқим устимдан кулмоқда,
Уззукун улар мени мазах қилиб, қўшиқ куйламоқда.
15 Худо менга аччиқ ўтдан едирди,

Заҳарли сувдан менга ичирди.

16 Мени оёқ ости қилиб, тупроққа белади,
Шағал едириб, тишларимни синдирди.
17 Тинчлик билмас энди менинг жоним,
Бахт нималигини тамом унутдим,
18 Шунда ўзимга дедим: “Адойи тамом бўлдим!
Барбод бўлди Эгамга бўлган умидим!”

19 Кулфату саргардонлик ҳақидаги ўйларим
Заҳарли сувга, аччиқ ўтга ўхшайди.
20 Бундай ўйларга толган менинг жоним
Тушкунликка тушди.
21 Бироқ мен бир нарсани ёдда тутарман,
Шунинг учун доим умид қиларман:

22 Эгамнинг содиқ севгиси бўлмайди адо*,
Унинг раҳму шафқати тугамас асло.
23 Ҳар тонг улар янгиланади,
Буюкдир Эгамнинг садоқати!
24 Қалбимда айтаман: “Эгамдир менинг бор–йўғим,
Шундай экан, ёлғиз Ундадир менинг умидим.”

25 Эгамиз Ўзига умид боғлаганларга яхшилик қилади,
Унга интилган ҳар бир жонга эзгулигини кўрсатади.
26 Эгамизнинг нажотини тоқат ила кутиш яхшидир.
27 Ёшликдан тарбияга бўйсуниш яхшидир.

28 Раббий тарбиялаганда,
Ёлғиз ўтириб, сукут сақлайлик.
29 Бундай вақтларда ер ўпиб таъзим қилайлик,
Ахир, яна умид бордир.
30 Тарсаки еганимизда қаршилик қилмайлик,
Эшитган кўп ҳақоратларни ичимизга ютайлик.

31 Зеро, Раббий бизни абадий ташлаб қўймайди!
32 Унинг Ўзи бизга қайғу келтирган бўлса–да,
Ўзи бизга раҳм–шафқат қилади.
Ахир, Унинг содиқ севгиси буюкдир!
33 Ҳа, У инсонга ғам келтириб, озор беришни хуш кўрмайди.

34 Юртдаги ҳамма асирларнинг оёқ ости бўлганини,
35 Одамлар ҳақ–ҳуқуқдан маҳрум бўлганини
Худойи Таоло кўриб турибди.
36 Бир ёқлама ҳукм чиқарилганини
Раббий билиб турибди.

37 Раббийнинг ижозатисиз,
Ҳеч кимнинг буйруғи бажо бўлмас.
38 Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам
Худойи Таолонинг амрисиз содир бўлмас.

39 Ҳануз ҳаёт эканмиз,
Гуноҳимиз учун жазо тортганда нолимайлик!

40 Тутган йўлларимизни яхшилаб текширайлик,
Эгамизга қайтайлик.
41 Қўлларимизни осмонга чўзиб,
Чин дилдан самодаги Худога ёлвориб айтайлик:
42 “Эй Эгамиз! Биз итоатсизлик қилдик,
Сенга қарши бош кўтардик,
Сен бизни кечирмадинг.

43 Сен ғазабга миниб, таъқиб қилдинг бизни,
Шафқатсиз қирдинг ҳаммамизни.
44 Илтижоларимиз Сенга етиб бормаслиги учун
Булутлар билан олдингни тўсдинг.
45 Сен бизни ахлатдай ташлаб юбординг,
Халқлар орасида супуриндидай қилдинг.

46 Мана, барча ёвларимиз устимиздан куляпти.
47 Биз ваҳимага тушдик, тузоққа илиндик,
Фалокату ҳалокатга гирифтор бўлдик.”

48 Сел–сел бўлиб оқар менинг кўз ёшларим,
Ахир, қирилиб кетди менинг халқим!
49-50 Эгамиз самодан бизга қарамагунча,
Мен тўхтамай оби дийда қиламан,
Тинмай кўз ёш тўкаман.
51 Қуддусдаги ҳамма қизларнинг қисмати
Юрак–бағримни эзиб юборди!

52 Сабабсиз душманлик қилаётир менга одамлар,
Қушни овлагандай мени овлади улар.
53 Мени тириклайин чуқурликка ташлашди,
Чуқурлик оғзини тош билан беркитишди.
54 Сувлар кўтарилиб ошди бошимдан,
“Адо бўлдим” дедим ичимда.

55 Эй Эгам, чуқурлик тубидан
Сенга илтижо қилдим.
56 “Додимни тингла, беркитма қулоғингни!” дедим.
Сен эшитдинг бу илтижоимни.
57 Ёлворганимда Сен менга яқинлашдинг,
“Қўрқма!” деб ўшанда менга айтдинг.

58 Ё Раббий, Сен даъвоимни ҳимоя қилдинг,
Менинг жонимни халос этдинг.
59 Кўрдинг менга қилинган ноҳақликни,
Эй Эгам, Ўзинг ёқлагин мени.
60 Ёвларимнинг тил бириктирганини Сен кўрдинг,
Менга қарши қилган ёвуз ниятларини билдинг.

61 Эй Эгам, улар мени мазах қилганини Ўзинг эшитдинг,
Менга қарши тил бириктирганини билдинг.
62 Ғанимларим мени ғийбат қилар,
Кун бўйи менга пичинг отар!
63 Қара, улар ўтирса ҳам, турса ҳам,
Мени мазах қилиб, қўшиқ куйлашар.

64 Уларнинг қилмишларига яраша,
Жазосини бергин, эй Эгам!
65 Юракларига ғулғула солгин,
Уларни лаънатга дучор қилгин,
66 Ғазаб билан уларнинг кетидан қувла,
Ер юзидан тамомила йўқ қилиб ташла!

4–БОБ

Қуддуснинг қамалдаги қисмати

1 Вой шўрим!
Олтин хира тортди,
Соф тилла жилосини йўқотди.
Ҳар бир кўча бошида
Маъбад тошлари сочилиб ётибди.

2 Қуддуснинг* азиз фарзандлари
Олтиндан ҳам қадрли эди,
Эвоҳ, энди эса улар
Кулол ясаган сопол идишдай
Қадрсиз бўлиб қолдилар.

3 Ҳатто чиябўрилар
Ўз болаларини эмизишар.
Менинг халқим эса туяқушга ўхшаб қолди*,
Улар ўз фарзандларига шафқат қилмайди.

4 Чақалоқлар жуда чанқаган
Тиллари танглайига ёпишиб қолган,
Нон сўраб, ёш болалар тиланчилик қиляпти,
Бироқ ҳеч ким уларга бир бурда ҳам нон бермайди.

5 Тансиқ таомлар еган одамлар
Энди кўчаларда очликдан ўляптилар.
Қимматбаҳо либос кийиб ўсганлар
Энди кул уюмлари орасида ётибдилар.

6 Садўм шаҳрига* қарши инсон қўли кўтарилмади,
Аммо бу шаҳар бир зумда вайрон бўлди.
Халқимнинг тортган жазоси
Садўмнинг жазосидан ҳам оғирроқ бўлди.

7 Сутдан ҳам оқ, қордан ҳам оппоқ эди
Йўлбошчиларимизнинг кўнгиллари,

Маржондай товланарди соғлом таналари,
Ёқутдай кўркам эди кўринишлари.

8 Энди таниб бўлмас уларни кўчаларда,
Уларнинг юзлари куядан ҳам қорароқ тусда.
Бужмайган терилари суякларга ёпишган,
Тарашадан ҳам баттар қуриб–қақшаб кетган.

9 Қилич тиғидан нобуд бўлганлар
Бахтлироқдир очлик қурбонларидан.
Зеро, қаҳатчиликка* дучор бўлганлар
Жонларини аста–секин таслим қиларлар.

10 Меҳрибон оналар туққан болаларини
Ўз қўллари билан пиширдилар.
Халқим ҳалокатга учраганда,
Болалари уларга емиш бўлди.

11 Эгамизнинг қаҳр–ғазаби қайнади,
У аччиқ қаҳрини сочди,
Қуддус шаҳрида олов ёндирди,
Олов шаҳарни пойдеворигача куйдирди.

12 Душман Қуддус дарвозаларини ёриб ўтишига
Ер юзидаги ҳукмдорлар ишонмаганлар.
Жаҳондаги одамлар буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганлар.

13 Шаҳардаги пайғамбарларнинг гуноҳи,
Руҳонийларнинг жиноятлари бунга сабаб бўлди.
Ахир, улар шаҳарда солиҳ одамнинг қонини тўкдилар.

14 Ҳа, улар ўз кийимини қонга булғадилар,
Уларнинг кийимидан одамлар ҳазар қиладилар.
Кўр одамдай бу йўлбошчилар
Кўчаларда дайдиб юрибдилар.

15 “Йўқол, ҳаром!” деб бақиради ҳамма уларга,
“Йўқолларинг! Йўқол! Тега кўрманг сизлар бизларга!”
Қочиб, ғарибу мусофир бўлиб юрганда улар,
“Бу ердан чиқиб кетинглар”, деб халқлар уларни ҳайдар.

16 Эгамизнинг Ўзи тарқатиб юборди уларни,
Бу йўлбошчиларга энди У назар солмайди.
Руҳонийларга ҳеч ким ҳурмат кўрсатмайди,
Оқсоқолларга ҳеч ким марҳамат қилмайди.

17 Беҳуда кутавериб мадад,
Толди бизнинг кўзимиз,
Мадад бера олмайдиган бир халққа*
Умид боғлаган эканмиз.

18 Ҳар бир қадамимизни пойлади ёвимиз,

Ўз кўчаларимизда юролмадик биз.
Бор–йўғи саноқли кунимиз қолди.
Бизнинг умримиз поёнига етди.

19 Бизни таъқиб қилувчилар
Бургутдан ҳам тезроқ учишарди,
Улар тоғларда бизни овлашарди,
Чўлларда бизни пойлашарди.

20 Эгамиз танлаган шоҳ* уларнинг тузоғига илинди,
Эвоҳ, ҳаётимиз манбаи у эди.
Биз шоҳимиз соясида
Халқлар орасида яшаймиз, деб ўйлагандик.

21 Эй Уз юртида* яшовчи қиз* Эдом*,
Хурсанд бўл, шодлан!
Бироқ сен ҳам жазо косасидан* ичасан,
Маст бўлиб кийимингни ечасан.

22 Эй қиз Қуддус, жиноятларинг учун
Сен жазоингни тортиб бўлдинг.
Энди Эгамиз сени сургунда ушлаб турмайди.
Эй қиз Эдом, сенинг гуноҳларингни эса
Эгамиз фош қилади,
Жиноятларинг учун У сени жазолайди.

5–БОБ

Раҳм–шафқат илтижоси

1 Эй Эгам, бошимизга тушган кўргиликни ёдингда тутгин,
Қанчалар хор бўлганимизни бир кўриб қўйгин!

2 Мулк қилиб олган еримиз ажнабийлар қўлига тушди,
Келгиндилар уйларимизга эга бўлишди.

3 Отасиз етимдай бўлиб қолдик биз,
Бевага ўхшаб қолди оналаримиз.

4 Биз ичган сувимизга пул тўлаймиз,
Ёққани ўтинни сотиб оламиз.

5 Ёвларимиз таъқиб қилиб, қўймас бизни ҳолимизга,
Чарчаб кетдик, тиним йўқ бизга.

6 Тўйгунча нон еймиз деб,
Миср ва Оссурия билан биз сулҳ туздик.

7 Аждодларимиз гуноҳ қилиб, ўтиб кетди,
Аммо уларнинг жазосини биз тортяпмиз энди.

8 Бизга ҳукмронлик қилаётир қуллар,
Улар зулмидан бизни ким қутқарар?!

9 Нон излаймиз жонимизни қўйиб хавф остига,
Чунки каллакесарлар писиб ётибди далаларда.

10 Очарчилик дастидан чиққан иссиғимиз,
Тандирдай қизиган бизнинг баданимиз.

11 Ғанимларимиз Қуддусда* аёлларни зўрлашди,
Яҳудо шаҳарларида қизларнинг номусига тегишди.

12 Қўлларидан осишди йўлбошчиларимизни,
Хор қилишди оқсоқолларимизни.

13 Йигитлар тегирмон тошини тортяпти,
Ўғлонлар оғир ўтин остида гандираклаб қолди.

14 Шаҳар дарвозасида* оқсоқоллар ўтирмайдиган бўлди,
Йигитлар шодон куйлар чалмайдиган бўлди.

15 Кўнглимизни шодлик тарк этди,
Ўйин–кулгимиз азага айланди.

16 Бошимиздаги тожимиз тушиб кетди,
Гуноҳ қилдик! Шўримиз қуриди!

17 Дарду аламга тўлди юрагимиз,
Йиғлайвериб хиралашди кўзимиз.

18 Ахир, Сион тоғи* ҳувиллаб қолди,
Чиябўрилар у ерда изғиб юрибди.

19 Сен эса, эй Эгам, абадий ҳукмронлик қиласан,
Авлодлар оша Ўз тахтингда ўтирасан.

20 Нечун бизни Сен тамом унутдинг?
Нечун узоқ вақтга ташлаб қўйдинг?

21 Эй Эгам, бизни Ўзингга қаратгин,
Токи Сенга қайтайлик.
Қадимги улуғворлигимизни тиклагин.

22 Наҳотки Сен биздан бутунлай воз кечдинг?!
Қаҳру ғазабингнинг ҳад–поёни бордир, ахир?!

ИЗОҲЛАР

1:1 Бу китобнинг 1-4–боблари ибронийчада мувашшаҳ усулида ёзилган шеърдир. Иброний алифбесида 22 та ҳарф бўлгани учун, мазкур китобнинг 1, 2 ва 4–боблари 22 та оятдан иборат бўлиб, ҳар бир оятдаги биринчи сўз иброний алифбесининг ҳарфлари тартиби бўйича бошланади. Китобнинг 3–бобида 66 та оят бор, ҳар 3 та оят бир бандни ташкил қилиб, боб жами 22 банддан иборат. Ҳар бир банд иброний алифбесининг ҳарфлари тартиби бўйича бошланади. Биринчи банддаги оятлар иброний алифбесининг биринчи ҳарфи билан бошланади, иккинчи банддаги оятлар иброний алифбесининг иккинчи ҳарфи билан бошланади ва ҳоказо. Китобнинг 5–боби мувашшаҳ усулида ёзилмаган бўлса–да, боб 22 оятдан иборат.

1:3 *Яҳудо* — Яҳудо қабиласи Исроилнинг жанубий қисмидаги энг катта қабила эди. Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди (3 Шоҳлар 11:26-12:24 га қаранг). Яҳудо ва Бенямин қабилалари жанубий шоҳлик деб аталадиган бўлди. Жанубий шоҳликнинг пойтахти Қуддус бўлиб қолаверди, уларнинг ўз ҳукмдорлари бор эди. Эски Аҳднинг баъзи парчаларида Яҳудо сўзи жанубдаги иккала қабилага нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:4 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 6, 17–оятларида ҳам бор). Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

1:4 *Қуддуслик қизлар* — Маъбаддаги байрам сайилларида иштирок этадиган қизлар назарда тутилган бўлиши мумкин (Забур 67:25-27 га қаранг).

1:6 *Қиз* — шаҳар ёки юрт аҳлига нисбатан қўлланган шеърий усул.

1:7 *душманлар* — Бобил босқинчилари назарда тутилган.

1:10 *...Эгамиз...ман этганди* — Қонунлар 23:3 га қаранг.

1:12 *Наҳотки сизларга барибир бўлса?!* — ёки *Бундай кўргилик сизларнинг бошингизга тушмасин!*

1:14 *гуноҳларим* — ёки *ясаган бу бўйинтуруқ*.

1:15 *Бокира қиз Яҳудо* — Қуддус ва унинг аҳлига нисбатан қўлланган шеърий усул.

1:15 *...Раббий узум эзгандай эзди* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди. Узум эзиш Муқаддас Китобда кўпинча Худонинг одамлар устидан чиқарадиган ҳукмига нисбатан кўчма маънода ишлатилган.

2:1 *Қиз* — 1:6 изоҳига қаранг.

2:1 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 4, 6, 8, 18–оятларида ҳам бор). 1:4 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:2 *Қиз Яҳудо* — 1:15 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:3 *...Исроилнинг бор қудратини йўқ қилди* — ибронийча матндан сўзма–сўз

таржимаси *...Исроилнинг ҳар бир шохини кесиб ташлади*. Эски Аҳдда буқанинг шохи кўпинча кўчма маънода ишлатилиб, кучли ҳукмдорга ёки ҳарбий қудратга ишора қилган.

2:6 *Боғдаги чайлани йиқитгандай, Маъбадини У бузиб ташлади* — ёки *У узумзор деворини йиқитгандай, Маъбад деворларини бузиб ташлади*.

2:10 *Бошларидан улар тупроқ сочган, Ўзлари қанорга ўранган* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанорга ўраниб олиш ва бошга тупроқ сочиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

2:17 *қудрат* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *шох*, яъни буқанинг шохи. Шу бобнинг 3–ояти изоҳига қаранг.

2:22 *болаларим* — Қуддус аҳли назарда тутилган.

3:22 *Эгамнинг содиқ севгиси бўлмайди адо...* — кўплаб иброний қўлёзмаларидан, қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *Эгамнинг содиқ севгиси туфайли биз нобуд бўлмадик....*

4:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 11, 22–оятларида ҳам бор). 1:4 нинг биринчи изоҳига қаранг.

4:3 *...туяқушга ўхшаб қолди...* — мода туяқуш палапомларига меҳр бермайдиган ёмон она ҳисобланади (Аюб 39:14-16 га қаранг).

4:6 *Садўм шаҳри* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

4:9 *...очлик...қаҳатчилик...* — милоддан олдинги 589 йилда Бобил лашкари Қуддусни қамал қилди. Икки ярим йил давомида шаҳарга ҳеч қандай егулик кирмади (4 Шоҳлар 25:1-3 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг).

4:17 *бир халқ* — Яҳудо халқининг иттифоқдоши бўлган Миср халқи назарда тутилган.

4:20 *Эгамиз танлаган шоҳ* — милоддан олдинги 597-586 йилларда ҳукмронлик қилган Яҳудо шоҳи Зидқиё назарда тутилган (4 Шоҳлар 25:1-7 га қаранг).

4:21 *Уз юрти* — Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган бўлиб, ўша даврда Эдом халқининг қўли остида эди.

4:21 *қиз* — 1:6 изоҳига қаранг.

4:21 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди. Эдом халқи азалдан Исроил халқининг душмани бўлиб келган эди. Бобилликлар Қуддусни вайрон қилганларида, Эдом халқи Бобилликларга ёрдам берган эди (Забур 136:7, Ҳизқиёл 35:5 ва Ободиё 10-14–оятларга қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭДОМ сўзига қаранг.

4:21 *жазо косаси* — Худо ғазабининг рамзи бўлган шароб косасига ишора. Мана шу шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (Ишаё 51:17-23, Еремиё 25:15-29 га қаранг).

5:11 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:4 нинг биринчи изоҳига қаранг.

5:14 *Шаҳар дарвозасида...* — қадимги пайтларда оқсоқоллар ва обрўли одамлар шаҳар дарвозаси олдида йиғилиб, ҳакамлик вазифасини бажарардилар. У ерда турли масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилардилар.

5:18 *Сион тоғи* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

ҲИЗҚИЁЛ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Ҳизқиёл руҳоний эди, Еремиё ва Дониёр пайғамбарлар унинг замондошлари бўлган. У Бобилга асир қилиб олиб кетилди ва ўша ерда сургунда бўлган Яҳудо халқи орасида яшади. У Худо томонидан пайғамбар қилиб тайинланди. У нафақат Бобилга сургун қилинган Яҳудо халқига, балки Қуддусда қолган одамларга ҳам Худонинг сўзини ваъз қилди. Ҳизқиёл ўз фаолиятини милоддан олдинги 593 йилларда бошлаб, милоддан олдинги 571 йилларда тугатди. Бу давр Яҳудо шоҳлигининг охирги йилларидан тортиб, то милоддан олдинги 586 йилда Қуддус қулагандан кейинги даврни қамраб олади. Ҳизқиёл Қуддус қулашидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ваъз қилган. Шунинг учун унинг баъзи ваъзлари Худонинг даҳшатли ҳукмидан хабар беради, бошқа ваъзлари эса халққа умид бағишлайди.

Мазкур китобни бешта асосий қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисмда (1-3–боблар) Ҳизқиёлга ваҳийда аён бўлган Худонинг улуғворлиги тасвирланади, шунингдек, Худо Ҳизқиёлни пайғамбар қилиб тайинлагани баён этилади. Иккинчи қисм (4-24–боблар) ўз ичига бир нечта хабарни олади. Бу хабарларда Яҳудо халқига бериладиган жазолар ҳақида айтилади, чунки халқ Худодан юз ўгирган эди. Ҳизқиёл бу хабарларнинг аксарият қисмини икир–чикиригача тасвирлаб, ўз ҳаракатлари билан кўрсатиб беради. Яҳудо халқи Худонинг танланган халқи бўлгани ва Маъбад Қуддусда жойлашгани боис, халқ муқаддас бўлиши ва ўзини пок сақлаши шарт эди. Яҳудо халқи Худодан юз ўгирганда, Худо Маъбадини тарк этиб, халқини жазоларди.

Китобнинг учинчи қисмида (25-32–боблар) Худо Яҳудо юртининг ён–атрофидаги халқларни жазолаши тўғрисида ёзилган. Китобнинг тўртинчи қисми (33-39–боблар) Қуддус қулагандан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу парчадаги сўзлар умид бахш этади. Бу парчада Худо Ўз халқини кечириши, сўнг уларни Яҳудо ва Қуддусга қайтариб олиб келиши тўғрисида сўз юритилади.

Ниҳоят, бешинчи қисмда (40-48–боблар) Қуддусдаги янги Маъбад тўғрисида Ҳизқиёл кўрган ваҳий ҳақида ёзилган. Бу қисмда Худога сажда қилиш қоидалари кўрсатилган. Шунингдек, келажакда юрт Исроилнинг ўн икки қабиласи орасида қай тарзда бўлиниши кераклиги ҳақида батафсил айтиб ўтилган.

Мазкур китобдаги қуриган суяклар тўғрисида Ҳизқиёл кўрган ваҳий жуда кенг танилган. Бу ваҳийда Худонинг Руҳи суякларга жон ато этиб, уларни тирилтиради (37:1-14 га қаранг). Худо доим Ўз аҳдига содиқ қолади. У Ўз халқини гуноҳлардан поклайди, уларни тиклайди, халқни юксалтиради, муқаддас шаҳар Қуддусда Ўз улуғворлигини порлатади.

1–БОБ

Худонинг тахти

1-3 Ҳаётимнинг ўттизинчи йилида*, тўртинчи ойнинг* бешинчи кунида мен, Бузи ўғли руҳоний Ҳизқиёл*, сургунда яшаётган одамлар билан бирга Бобилдаги* Кавор дарёсининг бўйида эдим. Шунда осмон қопқаси очилди–да, Худодан менга ваҳийлар келди. Ўша куни Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди. Мен Эгамизнинг

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

қудратини яққол сезиб турар эдим. Бу воқеа шоҳ Ёҳайихин сургундалигининг бешинчи йилида* содир бўлган эди.

4 Қарасам, шимолдан бўрон турди. Улкан бир булутдан чақмоқ чақар эди,
булут атрофи ярқираб турарди. Булутнинг оловли маркази сайқалланган мисдай
товланарди. 5 Ўшанинг ўртасида мен тўртта жонли мавжудотни кўрдим. Улар
инсон қиёфасида эди. 6 Аммо ҳар бирининг тўртта юзи ва тўртта қаноти бор эди.
7 Уларнинг оёқлари текис бўлиб, бузоқнинг туёқларига ўхшаш туёқлари бор эди.
Туёқлар ялтироқ бронза каби товланиб турарди. 8 Қанотлари остида одам қўлига
ўхшаган қўллари бор эди. 9 Мавжудотлар бир–бирига орқа ўгириб турар эдилар,
қанотларининг учлари бир–бирига тегиб турарди. Улар ҳар томонга биргаликда
юрардилар, юрганларида бурилмас эдилар. 10 Мавжудотларнинг юзларига келсак,
улар тўрт хил эди: олд томонида инсон юзи, ўнг томонида шер юзи, чап томонида
буқа юзи ва орқа томонида бургут юзи бор эди. 11 Мавжудотларнинг бир жуфт
қаноти тепага ёйилган бўлиб, ёнидаги мавжудотларнинг қанотларига тегиб
турарди. Қолган бир жуфт қаноти эса танасини ёпиб турарди. 12 Мавжудотлар
тўғрига қараб юришар эди. Руҳ уларни қаерга йўналтирса, улар ўша ёққа
боришарди, юрганда бурилмас эдилар. 13 Жонли мавжудотларнинг кўриниши
ёнаётган кўмирга ёки машъалага ўхшар эди. Мавжудотларнинг орасида олов
айланиб юрарди. Бу олов чақнарди, ундан чақмоқ чақиб турар эди.
14 Мавжудотларнинг ўзлари ҳам чақмоқ тезлиги билан у ердан–бу ерга бориб
келишарди.

15 Мен тўртта мавжудотни томоша қилиб турганимда, мавжудотлар ёнидаги
ғилдиракларни кўрдим. Ҳар бир мавжудотнинг ёнида биттадан ғилдирак бор эди.
Ғилдираклар ерга тегиб турарди. 16 Тўртала ғилдиракнинг кўриниши ва
тузилиши бир хил эди. Улар қимматбаҳо тошдай товланарди. Ҳар бир
ғилдиракнинг ичида кўндалангига солинган яна биттадан ғилдирак бор эди.
17 Шу сабабдан ғилдираклар ҳаракатга келганда, тўрт томонга юра олар эди,
юрганда бурилмасди. 18 Ғилдиракларнинг гардишлари баланд ва баҳайбат эди.
Уларнинг гир айланаси кўзлар билан қопланган эди. 19 Жонли мавжудотлар
юрганда, ёнларидаги ғилдираклар ҳам ҳаракатга келарди. Ердан кўтарилганда,
ғилдираклар ҳам улар билан бирга кўтариларди. 20-21 Мавжудотлардаги руҳ
ғилдиракларда ҳам бор эди. Шу сабабдан руҳ мавжудотларни қаерга йўналтирса,
мавжудотлар ўша ёққа боришарди, ғилдираклар ҳам улар билан бирга ҳаракатга
келарди. Мавжудотлар юрганда, улар ҳам юрар эди, тўхтаганда тўхтар эди, ердан
кўтарилганда кўтарилар эди.

22 Мавжудотларнинг бошлари узра гумбазга ўхшаш бир нарса бор эди, ўша
нарса биллурдек товланарди. 23 Қанотларини ёйган мавжудотлар гумбаз остида
турар эди. Уларнинг қанотлари бир–бирига тегиб турарди. Иккинчи жуфт
қанотлари эса баданларини ёпиб турарди. 24 Улар қанот қоқиб учардилар. Қанот
қоққанларида чиққан товуши шовуллаган денгиз шовқинидай, Қодир Худонинг
гумбурлаган овозидай, улкан лашкарнинг шовқин–суронидай эди. Мавжудотлар
тўхтаганларида қанотларини йиғиб олишарди.

25 Улар тўхтаб, қанотларини йиғиб олдилар. Шунда бошлари тепасидаги
гумбаз узра бир овоз янгради. 26 Гумбаз устида зангори ёқутдан ясалган тахтга
ўхшаш бир нарса бор эди. Тахт устида инсон қиёфасидаги бир Зот ўтирарди.
27 Ўша кимсанинг белидан юқори қисми сайқалланган мисдай ярқирарди,
атрофини олов ўраганди. Белидан пастки қисми эса оташ каби порларди. Унинг
бутун борлиғи нур таратиб турарди. 28 Ўша нур ёмғирдан кейин булутлар орасида
пайдо бўладиган камалакдек жилваланарди. Бу ёғду Эгамизнинг улуғворлигини

акс эттирарди.

Худо Ҳизқиёлни хизматга чақиради

Мен буни кўришим биланоқ ерга мук тушдим, сўнг бир овоз эшитдим.

2–БОБ

1 Ўша овоз менга деди:

— Эй инсон*, ўрнингдан тур, Мен сен билан гаплашмоқчиман.

2 Овоз менга гапираётганда, Руҳ ичимга кириб, мени турғизиб қўйди. Мен гапнинг давомини тингладим. 3 У менга шундай деди:

— Эй инсон, Мен сени итоатсиз Исроил халқининг олдига юбораман. Улар Менга қарши бош кўтаришди. Уларнинг ўзлари ҳам, ота–боболари ҳам шу кунгача Менга қарши гуноҳ қилиб келишган. 4 Бу халқ қайсар ва ўжардир. Мен сени уларнинг олдига юбораман. Сен уларга: “Эгамиз Раббий шундай демоқда”, деб гапирасан. 5 Бу исёнкор халқ гапингга қулоқ соладими, йўқми, Мен уларнинг олдига пайғамбарни юборганимни билиб қўйишсин. 6 Сен эса, эй инсон, улардан ҳайиқма, уларнинг гапларидан қўрқма. Атрофингни янтоғу тиканаклар ўраб олса ҳам, чаёнлар орасида яшасанг ҳам қўрқма. Уларнинг гапларидан чўчима, уларнинг важоҳатидан даҳшатга тушма. 7 Бу исёнкор халқ сенга қулоқ соладими, йўқми, уларга Менинг гапларимни етказ. 8 Сен эса, эй инсон, бу исёнкор халққа ўхшама. Оғзингни оч. Мен сенга берадиган нарсани егин.

9 Қарасам, мен томон бир қўл чўзилди. Қўлда бир ўрама қоғоз* бор эди. 10 Қўл ўрамни очиб, менга кўрсатди. Ўрамнинг олди ва орқа томонларига марсия, мотам ва қайғу сўзлари ёзилган эди.

3–БОБ

1 У менга шундай деди:

— Эй инсон, Мен сенга бераётган бу ўрама қоғозни* олиб егин. Сўнг Исроил халқининг олдига бориб, айтганларимни уларга етказ.

2 Мен оғзимни очдим, У менга ўша ўрама қоғозни егани берди. 3 У менга деди:

— Қоғознинг ҳаммасини еб, қорнингни тўйғаз.

Мен қоғозни едим, унинг таъми асалдай ширин эди. 4 У менга яна шундай деди:

— Эй инсон, энди бориб, Исроил халқига Менинг гапларимни айт. 5 Мен сени қийин ва мураккаб тилда гапирадиган халқ олдига эмас, балки Исроил халқи олдига юборяпман. 6 Агар Мен сени тили тушунарсиз бўлган кўп халқлар олдига юборганимда эди, улар сенга албатта қулоқ солишган бўлар эди. 7 Аммо Исроил халқи сенга қулоқ солмайди, улар ҳатто Менга ҳам қулоқ солишмайди. Ҳа, бу халқ қайсар ва ўжардир. 8 Мана қара, Мен сени улар каби қайсар ва ўжар қиламан. 9 Сенинг бошинг тошдай қаттиқ, қайроқтошдан ҳам қаттиқроқ бўлади. Улар исёнкор халқ бўлса–да, сен улардан чўчима, даҳшатга тушма.

10 У гапида давом этиб шундай деди:

— Эй инсон, сенга айтадиган гапимни икки қулоғинг билан яхшилаб эшитиб, ҳаммасини дилингга тугиб олгин. 11 Сўнг сургундаги юртдошларинг олдига бор. Улар сенга қулоқ соладими, йўқми, уларга: “Эгамиз Раббий шундай демоқда”, деб гапларимни етказ.

12 Руҳ мени кўтарди. Шунда мен орқадан келаётган қаттиқ гумбурлаган товушни эшитдим. Ўша товуш: “Эгамизнинг улуғворлигини Унинг маконида мадҳ қилинглар”, деб айтаётган эди*. 13 Мен жонли мавжудотларнинг бир–бирига

ишқаланган қанотларининг товушини ва ёнларидаги ғилдиракларнинг гулдуросини эшитдим. 14 Руҳ мени бошқа ёққа олиб кетди. Мен аччиқланиб, жаҳлим чиқа бошлади. Эгамизнинг қудрати мени қамраб олган эди. 15 Мен Кавор дарёсининг бўйидаги Тел–Овувда яшаётган сургундагиларнинг олдига бордим. Ўша ерда етти кун давомида ўзимга кела олмай гангиб ўтирдим.

Ҳизқиёлни Эгамиз соқчи қилиб тайинлайди

16 Етти кундан кейин Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди:

17 — Эй инсон, Мен сени Исроил халқига соқчи қилиб тайинладим. Оғзимдан чиққан ҳар бир гапимни уларга айтиб, огоҳлантирасан. 18 Агар Мен фосиққа: “Сен албатта ўласан”, деб айтсам–у, сен эса ўша одамни бу ҳақда огоҳлантирмасанг, ҳаётини сақлаб қолай деб, уни фосиқлик йўлидан қайтармасанг, ўша одам ўз гуноҳи учун* ўлади. Бироқ унинг ўлими учун Мен сени жавобгар қиламан. 19 Агарда сен фосиқни огоҳлантирсанг–у, у эса фосиқлик йўлидан қайтмаса, у ўз гуноҳи учун ўлади, сен эса ўз жонингни асраб қолган бўласан. 20 Агар солиҳ киши ёмон йўлга кириб, гуноҳга қўл урса, Мен унинг оёғига тўғоноқ соламан, у қоқилиб йиқилади*. Борди–ю, сен ўша одамни огоҳлантирмасанг, у нобуд бўлади. Мен унинг қилган савоб ишларини эсга олмайман, у ўзининг гуноҳи учун ўлади. Унинг ўлими учун эса сени жавобгар қиламан. 21 Борди–ю, сен солиҳ кишини ёмон йўлдан қайтарсанг, у сенга қулоқ солгани учун яшайди. Сен эса ўз жонингни асраб қолган бўласан.

Ҳизқиёл тилдан қолади

22 Эгамиз менга Ўз қудратини ато этиб, шундай деди:

— Қани, тур, водийга туш. Мен сен билан ўша ерда гаплашаман.

23 Мен туриб, водийга тушдим. Эгамизнинг улуғворлиги менга зоҳир бўлди. Мен у ерда кўрган Эгамизнинг улуғворлиги худди Кавор дарёси бўйида кўрган улуғворликка ўхшар эди*. Мен мук тушдим.

24 Руҳ вужудимга кириб, мени оёқларимга турғизиб қўйди. Сўнг Эгамиз менга шундай деди:

— Уйингга кириб, эшикларни ичидан қулфлаб ол. 25 Кўчага чиқа олмаслигинг учун сени арқонлар билан боғлашади. 26 Сен бу исёнкор халққа танбеҳ бера олмаслигинг учун, Мен сени гунг қилиб, тилингни танглайингга ёпиштириб қўяман. 27 Аммо уларга айтадиган гапим бўлганда, сени яна тилга киритаман*. Уларга: “Эгамиз Раббий шундай демоқда”, деб гапирасан. Сенга қулоқ соладиганлар қулоқ солсин, қулоқ солишни хоҳламаганлар эса солмасин. Ахир, улар исёнкор халқ–ку!

4–БОБ

Қуддус қамалининг рамзи

1 Эгамиз шундай деди: “Эй инсон, бир ғишт олиб олдингга қўй, унинг устига Қуддус расмини чиз. 2 Расмдаги шаҳарни қамал қилиб, атрофига қамал иншоотларини билдирувчи уюмларни ҳосил қил, шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уй*, душман қароргоҳларини ўрнат, шаҳарнинг гир айланасига девортешар қуролларни жойлаштир. 3 Кейин товани ол. Товани темир девор каби, ўзинг билан расмдаги шаҳарнинг орасига ўрнат. Сўнг шаҳарга юзлан, сен шаҳарни қамал қилган бўласан. Исроил халқи учун бу бир аломат бўлади.

4 Сўнг чап томонингга ёнбошлаб, устингга Исроил* халқининг гуноҳларини юкла. Сен чап томонингда ётган пайтингда уларнинг гуноҳи учун жазо тортган

бўласан. [5] Улар гуноҳ қилган йилларнинг сонига кўра, Мен сен учун кунларни ажратдим. Сен 390 кун давомида Исроил халқининг гуноҳи учун жазо тортасан.
[6] Белгиланган вақт тугагач, ўнг томонингга ёнбошлаб ётгин. Бу сафар сен 40 кун давомида Яҳудо халқининг гуноҳи учун жазо тортасан. Бир кун бир йил ҳисобланади. [7] Қуддус рамзи бўлган ғиштга юзлан, қўлингни паншаха қилиб, қамал қилинган шаҳарга қарши башорат қил. [8] Мана, қамалингнинг муддати тугамагунча бир томондан бошқа томонга ўгирилмаслигинг учун Мен сени арқонлар билан боғлаб ташлайман.
[9] Энди бориб ўзинг учун буғдой, арпа, ловия, ясмиқ дони, тариқ ва қизил буғдойни олиб, бир хумчага сол. Сен улардан ўзингга нон тайёрлайсан*. 390 кун чап томонингга ёнбошлаб ётиб, ўша нондан ейсан. [10] Бир кунлик ейдиган озуқангнинг миқдори 50 мисқолни* ташкил қилиши керак. Ҳар куни белгиланган вақтдагина уни ейишинг шарт. [11] Сувни ҳам белгиланган вақтда ва белгиланган миқдорда ичасан. Кунига бир коса* сув ичасан. [12] Ўтин ўрнига одам тезагини ишлатасан, одамларнинг кўзи олдида нон ёпиб ейсан."
[13] Эгамиз шундай деди:
— Мен Исроил халқини бегона халқлар орасига сургун қилганимда, улар ҳам худди шундай ҳаром нонни ейдиган бўладилар*.
[14] — Ё Эгам Раббий! — дея ёлвордим, — мен ҳеч қачон ўзимни булғаган эмасман. Ҳаром ўлган ёки ҳайвонлар ғажиган жониворнинг гўштини ёшлигимдан еган эмасман. Ҳеч қандай ҳаром гўштни оғзимга олган эмасман!
[15] У менга шундай деб жавоб берди:
— Хўп, майли, одам тезагининг ўрнига мол тезагини ишлата қол. Тезак ёқиб, нон ёпиб ейсан.
[16] Сўнг гапида давом этди:
— Мен Қуддус аҳолисини нонга зор қилиб қўяман. Улар қўрқув ичра нонни ўлчаб ейдилар, умидсизланиб сувни тақсимлаб ичадилар. [17] Сув ва нон танқислигидан одамлар бир–бирларига ваҳима ичра қарайдилар. Тортган жазосидан адойи тамом бўладилар.

5–БОБ

Ҳизқиёл сочини олдиради

[1] Эгамиз шундай деди: "Эй инсон, ўткир бир қилич ол. Устара ўрнига ўшани ишлатиб, сочинг билан соқолингни қириб ташла*. Сўнг сочингни тарозида ўлчаб, тенг уч қисмга бўл. [2] Шаҳарнинг қамал кунлари тугаганда, сочингнинг бир қисмини ғиштга чизилган шаҳар ўртасида ёндир. Иккинчи қисмини шаҳар атрофига сочиб ташлаб, қилич билан майдала. Учинчи қисмини эса шамолда учиртириб юборгин. Мен қиличимни яланғочлаб, шаҳар аҳолисини таъқиб қиламан. [3] Сочингнинг озгинасини олиб, чопонинг этагига қистириб қўй. [4] Ўша сочингнинг бир қисмини оловга ташлаб, ёндириб юбор. Ундан чиққан олов авж олиб, бутун Исроил халқига ёйилади."
[5] Эгамиз Раббий шундай деб айтмоқда: "Мана, Қуддусга бир қаранг. Мен уни халқларнинг ўртасига жойлаштирдим, бошқа юртлар уни ўраб турибди. [6] Аммо у қонун–қоидаларимга қарши чиқди, атрофдаги халқлардан кўра, кўпроқ қабиҳлик қилди. У қонун–қоидаларимни рад этди, фармонларимга бўйсунмади."
[7] Шунинг учун Эгамиз Раббий Қуддусга айтмоқда: "Сизлар бадкирдорликда атрофингиздаги халқлардан ҳам ўтиб тушдингиз. Фармонларимга бўйсунмадингиз, қонун–қоидаларимга риоя қилмадингиз. Ахлоқсизликда бошқа

халқлардан баттар бўлдингиз. 8 Эй Қуддус аҳли, Мен Ўзим сизларга қарши
чиқаман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Халқларнинг кўзи олдида сизларни
жазолайман. 9 Қилган жирканч ишларингиз туфайли Мен бошингизга даҳшатли
бир кўргилик келтираман. Мен бунақасини ҳеч қачон қилмаганман ва бундан
кейин ҳам қилмайман. 10 Қуддусда ота–оналар ўз фарзандларининг этини,
фарзандлар эса ўз ота–оналарининг этини ейдилар. Мен сизларни жазолайман,
омон қолганларингизни дунёнинг тўрт томонига тарқатиб юбораман. 11 Мен,
Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, сизларни йўқ
қиламан. Сизлар муқаддас масканимни макруҳ бутлару жирканч одатларингиз
билан ҳаром қилдингиз. Шунинг учун сизларга ачинмайман, раҳм қилмайман.
12 Халқингизнинг учдан бир қисми ўлату қаҳатчиликдан нобуд бўлади. Иккинчи
қисми жангда, шаҳар ташқарисида қирилиб кетади. Қолган қисмини эса Мен тўрт
томонга тарқатиб юбораман, қиличимни яланғочлаб таъқиб қиламан.
13 Шунда ғазабимдан тушаман, қаҳримни сизларга сочиб бўлганимдан
кейингина таскин топаман. Қаҳримни сизларга сочиб бўлганимдан кейин, Мен,
Эгангиз, рашк устида гапирганимни сизлар билиб оласиз. 14 Мен сизларни
хонавайрон қиламан. Ён–атрофда яшовчи халқлар ҳамда ўтган–кетган одамлар
сизларни мазах қиладилар. 15 Мен сизларни қаҳру ғазаб билан ҳукм қилганимда,
жаҳл устида қаттиқ жазолаганимда, атрофдаги халқлар даҳшатга тушадилар.
Улар бундан сабоқ оладилар, сизларни эса мазах қилиб, устингиздан куладилар.
Буларни Мен, Эгангиз, айтдим. 16 Мен устингизга қаҳатчиликнинг ҳалокатли
ўқларини ёғдираман, сизларни йўқ қиламан. Шаҳардаги очарчиликни авжига
чиқараман, сизларни бир бурда нонга зор қиламан. 17 Мен сизларни қаҳатчиликка
гирифтор қиламан, устингизга ёввойи ҳайвонларни юбораман. Улар сизларни
фарзандларингиздан жудо қилади. Юртингизда ўлат ва қотиллик ҳукм суради,
Мен сизларга қарши душман қиличини яланғочлайман. Буларни Мен, Эгангиз,
айтдим.”

6–БОБ

Эгамиз бутпарастликни ҳукм қилади

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Исроил тоғларига юзлан.
Уларга қарши шундай башорат қил: 3 «Эй Исроил тоғлари, Эгамиз Раббийнинг
сўзларини эшитинглар! Эгамиз Раббий тоғлару қирларга, жарликлару
водийларга шундай деб айтмоқда: Мен Ўзим сизларга қарши қилич юбораман,
бутларга аталган барча саждагоҳларингизни* вайрон қиламан.
4 Қурбонгоҳларингиз бузиб ташланади, тутатқи қурбонгоҳларингиз парча–парча
қилинади. Мен одамларингизни бутларингиз олдида қириб юбораман. 5 Исроил
халқининг жасадларини бутларингиз олдига ташлайман, суякларини
қурбонгоҳларингиз атрофига сочаман. 6 Ҳамма шаҳарларингизни яксон қиламан,
саждагоҳларингизни вайрон этаман. Шунда қурбонгоҳларингиз бузилади,
бутларингиз парча–парча қилинади, тутатқи қурбонгоҳларингиз қўпориб
ташланади, қўлларингиз яратган ҳамма нарса супуриб ташланади. 7 Бутун юрт
жасадларга тўлади. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.
8 Мен баъзи бир одамларнинг жонини қирғиндан сақлаб қоламан. Бироқ
уларни бошқа юртларга, бегона халқлар орасига қувиб юбораман. 9 Улар бегона
халқлар орасига сургун қилинганда Мени эслайдилар. Мени рад этган вафосиз
қалбларию бутлар кетидан қараган ҳирсли кўзлари дилимга қанчалик озор
етказганини тушуниб оладилар. Улар қилган қабиҳликлари ва жирканч ишлари

учун ўзларидан–ўзлари ҳазар қилиб, нафратланадилар. 10 Ўшанда Эгаси Мен эканлигимни билиб оладилар. Бошларига келадиган фалокат ҳақида Мен уларни жиддий огоҳлантирганимни билиб оладилар.»”

11 Эгамиз Раббий менга деди: “Қани бўл, кўксингга ур, ерни теп. Шундай деб хитоб қил: «Қабиҳликка қўл урган Исроил халқининг ҳолига вой!» Ахир, улар қиличдан, очарчилигу ўлатдан нобуд бўладилар! 12 Узоқларда бўлганлар ўлатдан қирилиб кетади. Яқинда бўлганлар қиличдан ўтказилади. Омон қолганлар очарчиликдан нобуд бўлади. Шу йўл билан Мен уларнинг устиларига қаҳримни сочаман. 13 Уларнинг жасадлари бутлари орасида, қурбонгоҳлари атрофида, ҳар бир баланд тепаликда, барча тоғ чўққиларида, ҳар бир яшил дарахту серсоя эман остида — халқим бутларга атаб хушбўй тутатқилар тутатган ҳар бир жойда ётади. Ўшанда омон қолганлари Эгаси Мен эканлигимни билиб оладилар. 14 Мен уларга қарши қўлимни кўтараман. Уларнинг бутун юртини, саҳродан тортиб, то Ривло* шаҳригача вайрон қилиб, ташландиқ ерга айлантираман. Ўшанда улар Эгаси Мен эканлигимни билиб оладилар.”

7–БОБ

Исроил халқи гуноҳлари учун жазо тортади

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Исроил юртига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: куни битди! Бутун юртнинг куни етди! 3 Эй Исроил, сенинг кунинг битди, Мен қаҳримни устингга сочаман. Тутган йўлинг учун сени ҳукм қиламан, жирканч одатларинг учун жазолайман. 4 Сенга ачинмайман, раҳм ҳам қилмайман. Тутган йўлинг учун, жирканч одатларинг учун адабингни бераман. Ўшанда Эганг Мен эканлигимни билиб оласан.

5 Эй Исроил, Эгамиз Раббий шундай деб айтмоқда: мана, кулфат келмоқда! Даҳшатли кулфат! 6 Кунингиз битди! Эвоҳ, кунингиз битди! Мана, бало бошингизга келди! 7 Эй юрт аҳли, ҳалокатингиз келди! Тоғларда хурсандчилик эмас, саросима ҳукм сурадиган кун келди. 8 Кўп ўтмай сизларни ғазабимга дучор қиламан, жаҳлимдан тушмагунимча қаҳримни устингизга сочаман. Тутган йўлингиз учун сизларни ҳукм қиламан, жирканч одатларингиз учун жазолайман. 9 Сизга ачинмайман, раҳм қилмайман. Тутган йўлингиз учун, жирканч одатларингиз учун адабингизни бераман. Ўшанда сизни жазолаган Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласиз.»

10 Эй инсон, ана, кулфат куни етиб келди! Ҳалокат яқинлашиб қолди! Зўравонлик гуллади, мағрурлик куртаклади. 11 Зўравонлик фосиқликни жазолайдиган хивичга айланди. Бу одамларнинг бирортаси омон қолмайди. Тўкин–сочинлиги, бойлиги, дабдабаси адо бўлади.

12 Ўша вақт келди! Ўша кун яқинлашди! Харидор харид қилган нарсасидан қувонмасин, сотувчи кўрган зараридан ғам чекмасин. Менинг ғазабим бутун оломон устига бирдай ёғилади. 13 Сотувчи билан харидор тирик қолган тақдирда ҳам, сотувчи сотган ерини қайтариб ололмайди. Бутун оломонга тегишли бу башоратни қайтариб бўлмайди. Гуноҳ қилганлари учун уларнинг бирортаси ўз ҳаётини сақлаб қололмайди. 14 Бурғулар чалинди, ҳаммаси тайёр бўлди. Аммо жангга киришга ҳеч ким журъат қилмади. Ахир, Менинг ғазабим бутун оломон устига ёғилади.

15 Кўчада жанг бўлмоқда. Ичкарида очарчилигу ўлат ҳукм сурмоқда. Даладагилар жангда ҳалок бўладилар, шаҳардагилар очарчилигу ўлатдан ўладилар. 16 Омон қолганлар даштдаги кабутарлардай тоғларга қочади. Улар

гуноҳ қилганлари учун инграйди. 17 Одамларнинг қўлларида мадор қолмайди,
иштонлари ҳўл бўлади. 18 Улар қайғудан қаноргa ўранишади, даҳшат уларнинг
ёпинчиғи бўлади. Улар сочларини қирдиришади*, юзлари шувут бўлади.
19 Кумушларини кўчага улоқтиришади, олтини ахлат каби бўлади. Менинг ғазаб
кунимда кумушу олтини уларга нажот бера олмайди. Уларнинг нафсини
қондирмайди, оч қоринларини тўйдирмайди. Ҳа, олтину кумуши Исроил
халқининг бошига ҳалокат келтиради*. 20 Улар кўз–кўз қилиб юрган чиройли
олтин безакларидан макруҳ худоларни, жирканч бутларни ясадилар. Шу сабабдан
Мен бойликларини улар учун ахлат каби қиламан.
21 Мен ўша бойликларни келгиндиларга ўлжа қилиб бераман, дунёнинг
фосиқларига талатаман. Улар Исроил халқининг бор бисотини ҳаром қиладилар.
22 Мен бу халқдан юзимни ўгираман. Шунда келгиндилар азиз уйимни*
булғайдилар. Ҳа, зўравонлар бостириб келиб, уни булғайдилар.
23 Бу халқ учун занжирлар тайёрланг! Зеро, юртда қотиллик авжига чиққан.
Қуддус шаҳри зўравонликка тўлган. 24 Мен бу юртга энг ваҳший халқларни
бошлаб келаман. Улар юрт аҳлининг уйларига эгалик қилишади. Мен
кучлиларнинг мағрурлигига чек қўяман. Уларнинг саждагоҳлари ҳаром
қилинади. 25 Даҳшату алам Исроил халқини қамраб олади. Улар тинчликка
интилишади, аммо тинчлик бўлмайди. 26 Кулфат кетидан кулфат келади,
миш–миш кетидан миш–миш тарқалади. Одамлар башорат истаб, пайғамбар
олдига беҳуда боришади. Руҳонийлар таълимот беришга, оқсоқоллар маслаҳат
беришга ожиз бўладилар. 27 Шунда шоҳ қайғуга ботади, шаҳзодалар тушкунликка
тушади. Қўрққанидан юрт аҳлининг қўли титрайди. Мен уларни қилган
қилмишларига яраша жазолайман. Улар бошқаларни қандай ҳукм қилган
бўлсалар, Мен ҳам уларни худди шундай ҳукм қиламан. Ўшанда Исроил халқи
Эгаси Мен эканлигимни билиб олади.”

8–БОБ

Маъбаддаги бутпарастлик

1 Сургун бўлган пайтимизнинг олтинчи йили олтинчи ойининг* бешинчи
кунида Яҳудо оқсоқоллари мени кўргани уйимга келишди. Мен улар билан
ўтирганимда, Эгам Раббийнинг қудрати мени қамраб олди. 2 Қарасам, инсон
қиёфасидаги бир киши турибди. Ўша кимсанинг белидан пастки қисми оловдай
чақнар эди. Юқори қисми эса сайқалланган мисдай нур таратиб турар эди. 3 У
қўлга ўхшаш бир узвини узатиб, мени сочимдан тутди. Сўнг Руҳ мени замин узра
кўтарди–да, Худонинг мана шу ваҳийсида Қуддус шаҳрига олиб кетди. У мени
Маъбаднинг ички ҳовлисидаги шимолий дарвозанинг* олдида турган катта бир
бут олдига олиб борди. Бу бут Худонинг рашкини қўзғатарди. 4 Ўша ерда Исроил
Худосининг улуғворлиги бор эди. Мен бундай ваҳийни водийда ҳам кўрган эдим*.
5 Худо менга шундай деди: “Эй инсон, шимол томонга назар ташла.” Мен
шимол томонга назар ташладим. Худонинг рашкини қўзғатадиган ўша бут
қурбонгоҳ ёнидаги дарвозанинг кираверишида турарди. 6 Шунда Худо менга
деди: “Эй инсон, халқимнинг қилмишини кўрдингми? Улар бу ерда жирканч
ишларни қилиб, Мени муқаддас масканимдан ҳайдаб юбормоқчилар. Қани юр,
Мен сенга бундан баттарини ҳам кўрсатаман.”
7 У мени Маъбаднинг ташқи ҳовлиси кираверишига олиб борди. Қарасам,
деворда бир тешик бор экан. 8 У менга деди: “Эй инсон, қани бўл, девордаги
тешикни катталаштир.” Мен девордаги тешикни катталаштирдим, шунда бир

эшикка дуч келдим. [9] Худо менга деди: “Ичкарига кир. Бу ерда қилинаётган ўтакетган жирканч ишларни ўз кўзинг билан кўриб қўй.” [10] Мен ичкарига кирдим. Деворларнинг ҳамма ёғига судралиб юрувчи жониворларнинг ва ҳаром ҳайвонларнинг* расмлари ҳамда Исроил халқи сиғинадиган барча бутларнинг тасвирлари солинган эди. [11] Тасвирларнинг олдида Исроил халқининг етмишта оқсоқоли турган эди. Шофон ўғли Язаниё ҳам ўшаларнинг орасида эди. Ҳар бирининг қўлида биттадан оловкурак бор эди. Оловкураклардан ёнаётган тутатқиларнинг хушбўй тутуни кўтариларди. [12] Худо деди: “Эй инсон, Исроил оқсоқолларининг бутларга тўла қоронғи хонада нима қилаётганини кўрдингми? Улар шундай дейдилар: «Эгамиз бизни кўрмаяпти, У юртимизни тарк этган.»” [13] Сўнг Худо яна деди: “Қараб тур, Мен сенга бундан ҳам баттарроғини кўрсатаман.”

[14] Кейин Эгамиз мени уйининг шимолий дарвозаси ёнига олиб борди. У ерда хотинлар ўтириб, худо Таммуз учун қайғуриб йиғлаётган эдилар*. [15] Шунда Худо деди: “Эй инсон, буни кўрдингми?! Мен сенга бундан ҳам баттарроғини кўрсатаман.”

[16] Эгамиз мени уйининг ички ҳовлисига олиб кирди. Уйнинг кираверишида, айвон ва қурбонгоҳ орасида йигирма беш нафар киши турар эди. Улар Маъбадга орқасини ўгириб, шарқдан чиқаётган қуёшга сажда қилаётган эдилар. [17] Эгамиз менга шундай деди: “Ана кўрдингми, инсон? Яҳудо халқининг мана шу ерда қилаётган жирканч ишлари етмасмиди?! Улар бутун юртни зўравонликка тўлдирмоқдалар, қайта–қайта қаҳримни келтирмоқдалар. Мени ҳақорат қилаётганларини* бир кўриб қўй! [18] Шунинг учун Мен уларнинг устига ғазабимни сочаман. Уларга ачинмайман, раҳм қилмайман. Овозлари борича Менга хитоб қилишса ҳам, уларга қулоқ солмайман.”

9–БОБ

Қуддуснинг жазоси

[1] Мен Худонинг жарангдор овозини эшитдим. У баланд овозда деди:

— Эй шаҳарни жазолаш учун тайинланганлар, қуролларингизни олинглар. Бу ерга келинглар!

[2] Шу онда шимолдаги Юқори дарвоза* томондан олти киши келди. Ҳар бирининг қўлида ҳалокатли қуроли бор эди. Уларнинг орасида зиғир толасидан тўқилган либос кийган, белига эса котиблик асбобларини тақиб олган бир кимса ҳам бор эди. Келган одамларнинг ҳаммаси ичкарига кириб, бронза қурбонгоҳнинг ёнига бориб туришди.

[3] Карублар* устидаги Исроил Худосининг улуғворлиги ўз жойидан кўтарилиб, уйининг остонасига борди. Сўнг Эгамиз зиғир либос кийган кишини чақириб, [4] деди:

— Бориб шаҳарнинг ҳамма жойини айланиб чиқ. Шаҳарда қилинаётган жирканч ишлардан сиқилиб, зорланган кишиларнинг пешанасига белги қўй.

[5] Қуролланган олти кишига эса Эгамизнинг шундай деганини эшитдим:

— Унга эргашинглар. Бутун шаҳарни айланиб чиқинглар. Одамларни ўлдиринглар, уларга ачинманглар, раҳм қилманглар. [6] Қарияларни, йигиту қизларни, аёлу болаларни — ҳаммасини ўлдиринглар, аммо пешанасига белги қўйилган бирон‌та одамга ҳам зарар етказманглар. Буйруғимни бажаришни шу ердан, муқаддас масканимдан бошланглар.

Шундай қилиб, улар қирғинни Эгамизнинг уйи олдида бўлган оқсоқоллардан

бошладилар. 7 Эгамиз деди:

— Уйимни ҳаром қилинглар! Ҳовлини жасадларга тўлдиринглар. Қани бошланглар!

Қуролланган одамлар шаҳарга бориб, у ердагиларни қириб ташладилар. 8 Улар буйруқни бажаргани кетганларида, мен ёлғиз ўзим қолдим. Мен ерга мук тушиб, Худога илтижо қилдим:

— Ё Эгам Раббий! Сен ғазабингни Қуддусга сочиб, Исроилнинг қолган–қутган халқини ҳам йўқ қилиб юбормоқчимисан?

9 У менга шундай жавоб берди:

— Исроил ва Яҳудо халқлари оғир гуноҳга қўл уришди. Улар бутун юртни қонга белашди, Қуддус шаҳрини адолатсизликка тўлдиришди. Улар: “Эгамиз юртимизни тарк этган, У бизни кўрмаяпти”, деб айтишяпти. 10 Мен эса уларга ачинмайман, раҳм қилмайман. Қилган барча қилмишларига яраша жазосини бераман.

11 Шу орада зиғир либосли, белига котиб асбобларини тақиб олган киши қайтиб келиб Эгамизга:

— Амрларингизни бажо айладим, — деди.

10–БОБ

Худонинг улуғворлиги Маъбадни тарк этади

1 Қарасам, карублар тепасидаги гумбаз* узра зангори ёқутга ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Ўша нарса тахт шаклида эди. 2 Худо зиғир либос кийган кишига шундай деди: “Қани бўл, карублар остидаги ғилдираклар орасига кириб, у ердан бир ҳовуч ёнаётган кўмирдан олиб чиқ. Кўмирни шаҳарнинг ҳамма ёғига сочиб ташла.”

Ўша киши ғилдираклар орасига кириб кетди. Мен эса уни кузатиб турдим. 3 У кирган пайтда карублар Эгамиз уйининг жануб томонида турган эдилар, ички ҳовлини эса булут қоплаган эди. 4 Сўнг Эгамизнинг улуғворлиги карублар узра кўтарилиб, уйнинг остонасига бориб тўхтади. Шу онда уй булутга тўлди, бутун ҳовли Эгамизнинг улуғворлигидан чақнаб ёришиб кетди. 5 Карублар қанотларини қимирлатганларида шундай шовқин кўтарилар эдики, уни ҳатто ташқи ҳовлидан туриб эшитса ҳам бўлар эди. Бу шовқин Қодир Худонинг овозига ўхшаб кетар эди.

6 Эгамиз зиғир либос кийган кишига: “Карубларнинг ўртасига кир, ғилдираклар орасидаги ёнаётган кўмирдан олиб чиқ”, деб амр берганда, ўша киши битта ғилдиракнинг олдига бориб турди. 7 Шунда карублардан бири қўлини узатиб, ёнаётган кўмирдан озроғини олди–да, зиғир либос кийган кишининг қўлига тутқизди. У киши ёнаётган кўмирни олиб кетди. 8 Ҳар бир карубнинг қаноти остида инсон қўлига ўхшаган қўли бор эди.

9 Қарасам, карублар ёнида тўртта ғилдирак турибди. Ҳар бир карубнинг ёнида биттадан ғилдирак бор эди. Ғилдираклар қимматбаҳо тошдай товланарди. 10 Тўртала ғилдиракнинг кўринишига келсак, улар бир–бирига ўхшар эди. Ҳар бир ғилдиракнинг ичида кўндалангига солинган яна биттадан ғилдирак бор эди. 11 Улар ҳаракатга келганда тўрт томонга юра олар эди, юрганда бурилмасди. Карубнинг юзи қаерга йўналтирилган бўлса, ҳаммаси бурилмай ўша томонга юришарди. 12 Карубларнинг бутун баданлари, орқалари, қўллари, қанотлари ҳатто тўртала ғилдираги ҳам кўз билан қопланган эди. 13 Ғилдиракларнинг номи “Айланадиган ғилдираклар” эканлигини мен эшитиб қолдим. 14 Ҳар бир

карубнинг тўрттадан юзи бор эди: биринчи юз — карубнинг юзи, иккинчи юз — одамнинг юзи, учинчи юз — шернинг юзи ва ниҳоят тўртинчи юз бургутнинг юзи эди.

15 Карублар замин узра кўтарилдилар. Мен Кавор дарёси бўйида кўрган жонли мавжудотлар* мана шу карублар экан. 16 Карублар юрганларида, ғилдираклар ҳам ёнларида юрарди. Қанот ёзиб кўтарилганларида, ғилдираклар ҳам улардан айрилмасди. 17 Хуллас, карублар тўхтаганда, улар ҳам тўхтар эди, кўтарилганда улар ҳам бирга кўтарилар эди, чунки жонли мавжудотларнинг руҳи ғилдиракларда эди.

18 Эгамизнинг улуғворлиги уй остонасидан чиқиб, карублар узра тўхтади. 19 Мен буни томоша қилиб турганимда, карублар қанотларини ёздилар, замин узра кўтарилиб, ғилдираклари билан бирга уйдан чиқиб кетдилар. Карублар Эгамиз уйининг шарқий дарвозаси ёнида тўхтаб қолдилар. Исроил Худосининг улуғворлиги уларнинг устида эди.

20 Бу жонли мавжудотларни мен Кавор дарёси бўйида кўрган эдим. Ўшанда ҳам улар Исроил Худосининг оёғи остида эдилар. Бу мавжудотлар карублар эканлигини мен энди тушуниб олган эдим, 21 чунки ҳар бир карубнинг тўртта юзи, тўртта қаноти ҳамда қанотлари остида одам қўлига ўхшаган қўллари бор эди. 22 Уларнинг юз тузилиши мен Кавор дарёси бўйида кўрган мавжудотларники билан бир хил эди. Ҳар бир мавжудот олд томонга қараб юрар эди.

11–БОБ

Исроилнинг фосиқ йўлбошчилари ҳукм қилинади

1 Руҳ мени кўтариб, Эгамиз уйининг шарқий дарвозасига олиб борди. Дарвоза ёнида мен йигирма беш нафар кишини кўрдим. Уларнинг орасида халқ раҳнамоларидан Аззур ўғли Язаниё ва Бинаё ўғли Пилатиё бор эди. 2 Эгамиз менга шундай деди: “Эй инсон, мана бу одамларнинг нияти ёмон. Улар шаҳардагиларга бўлмағур маслаҳатлар бериб юришибди. 3 Ўша бузуқ одамлар шундай дейдилар: «Ҳозир иморатлар солишнинг ҳожати йўқ. Бу шаҳар қозон кабидир, биз эса қозонда сақланган гўштдаймиз.» 4 Шундай экан, эй инсон, уларга қарши башорат қил!”

5 Сўнг Эгамизнинг Руҳи бутун вужудимни қамраб олди. У Исроил халқига қуйидагиларни айтишимни буюрди: “Эгамиз шундай демоқда: эй Исроил халқи, сизлар ўша гапни айтдингиз. Мен эса ҳамма ўй–хаёлларингизни биламан. 6 Сизлар шаҳардаги кўп одамларни ўлдирдингиз, кўчаларни жасадларга тўлдирдингиз. 7 Шунинг учун Мен, Эгангиз Раббий, айтаманки, бу шаҳар ҳақиқатан ҳам қозон кабидир. Аммо гўшт сизлар эмас, балки сиз ўлдирган одамларнинг жасадларидир. Мен сизларни шаҳардан чиқариб юбораман. 8 Сизлар қиличдан қўрққан эдингизлар, аммо устингизга қилич юбораман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 9 — Сизларни шаҳардан ҳайдаб чиқариб, ажнабийларнинг* қўлига топшираман. Сизларни шу йўсин жазолайман. 10 Сизлар қиличдан нобуд бўласизлар. Мен сизларни Исроил чегараларида жазолайман. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар. 11 Бу шаҳар сизлар учун қозондай бўлмайди, сизлар ҳам қозон ичидаги гўштдай бўлмайсизлар. Мен сизларни Исроил чегараларида жазолайман. 12 Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар. Зеро, сизлар шу пайтгача қонун–қоидаларимни бузиб, ён–атрофингизда яшовчи халқларнинг одатларига тақлид қилиб келдингизлар.”

13 Мен, Ҳизқиёл, башорат қилаётганимда, бирданига Бинаё ўғли Пилатиё жон

берди. Мен ерга юз тубан йиқилиб: “Ё Эгам Раббий! Сен Исроилда қолган ҳамма одамларни нобуд қилмоқчимисан?” дея овозим борича ҳайқириб юбордим.

Худонинг ваъдаси

14 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 15 “Эй инсон, сургун бўлган сенинг
оиланг, уруғ–аймоқларинг ва бутун Исроил халқи ҳақида Қуддусдагилар шундай
айтишмоқда: «Улар узоқда, Эгамизга сажда қила олмайдилар. Шунинг учун бу
юрт бизга мулк қилиб берилди.» 16 Аммо сен сургунда бўлган Исроил халқига
шундай хабар етказ: «Эгамиз Раббий айтмоқда: Мен сизларни олисдаги халқлар
орасига жўнатдим. Бошқа юртларга тарқатиб юбордим. Бироқ бегона юртдаги
мусофирлик даврингизда, Ўзим сизларга саждагоҳ бўламан.»
17 Яна айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен сизларни халқлар орасидан
йиғиб оламан. Ҳа, сизлар бегона юртларга тарқалиб кетдингиз, аммо Мен
сизларни у ерлардан олиб чиқаман. Исроил юртини сизларга қайтариб бераман.»
18 Эй инсон, Исроил халқи ўз юртига қайтиб келганда, у ердаги макруҳ
худоларни, жирканч бутларни илдизи билан йўқ қилади. 19 Мен уларга яхлит бир
юрак бераман, қалбларини янги руҳга тўлдираман. Бағридаги тош юракни олиб
ташлаб, ўрнига юмшоқ юрак соламан. 20 Шунда улар фармонларимни
бажарадиган, қонун–қоидаларимга риоя қиладиган бўладилар. Улар Менинг
халқим бўлади, Мен эса уларнинг Худоси бўламан. 21 Аммо макруҳ худоларга,
жирканч бутларга сажда қилишни хуш кўрадиган одамларни қилмишларига
яраша жазолайман.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

Худонинг улуғворлиги Қуддусни тарк этади

22 Карублар қанотларини ёзиб, ёнидаги ғилдираклари билан бирга осмонга
кўтарилдилар. Исроил Худосининг улуғворлиги карублар устида эди.
23 Эгамизнинг улуғворлиги шаҳарни тарк этиб, шаҳарнинг шарқ томонидаги
тоққа* бориб тўхтади. 24 Ваҳийда Руҳ мени кўтариб, Бобилга* сургун
қилинганларнинг олдига қайтариб олиб борди. Ваҳий тамом бўлди. 25 Мен
сургундаги биродарларимга Эгамиз аён қилган ҳамма нарсани айтиб бердим.

12–БОБ

Сургун тимсоли

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, сен исёнкор халқ орасида
яшаб юрибсан. Уларнинг кўзлари бор, аммо кўрмайдилар, қулоқлари бор, аммо
эшитмайдилар, чунки улар исёнкор халқдир.
3 Эй инсон, керакли нарсаларингни тугиб ол. Худди сургунга кетаётгандай
йўлга чиқ. Буни кундуз куни қил, одамлар сени кўрсин. Сен уйингни ташлаб,
бошқа жойга кетаётганингни ҳамма кўрсин. Ким билсин, балки шунда бу исёнкор
халқ эсини йиғиб олар. 4 Халқ сени томоша қила олиши учун тугунингни кундуз
куни ташқарига чиқариб қўй. Ўзинг эса, кеч тушганда, сени томоша қилаётган
оломон олдида, худди сургунга кетаётгандай йўлга чиқ. 5 Одамларнинг кўзи
олдида уйинг деворини теш, тугунингни тешикдан олиб чиқ. 6 Кеч тушганда, уни
елкангга ортиб, йўлга туш. Тарк этаётган юртингни кўра олмаслигинг учун
юзингни ёпиб ол, чунки халқ томоша қиладиган бу намойиш улар учун бир
тимсол бўлади.”
7 Мен Эгамизнинг айтганини қилиб, сургунга кетаётгандай, тугунимни кундуз
куни кўчага чиқариб қўйдим. Кеч тушганда қўлим билан уйим деворини тешдим.
Қоронғида тугунни кўчага чиқариб, елкамга ортиб олдим. Одамлар мени томоша

қилиб турар эдилар.
8 Эртаси куни эрталаб Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 9 “Эй инсон, бу
исёнкор Исроил халқи сендан «Нималар қиляпсан?» деб сўраган эди, шундай
эмасми? 10-11 Уларнинг олдига бориб айт: «Кеча мен сизларга келажакда содир
бўладиган воқеаларни намойиш қилдим. Қилган намойишим Қуддусда
ҳукмронлик қилаётган шаҳзода* ва у ердаги бутун Исроил халқининг қисмати
рамзидир. Эгамиз Раббий шундай демоқда: сизлар асирликка тушиб, сургун
бўласизлар. 12 Ҳозир ҳукмронлик қилаётган шаҳзодангиз ҳам қоронғида елкасига
тугун ортиб, йўлга тушади. У деворда очилган тешикдан чиқади. Тарк этаётган
юртни кўрмаслиги учун юзини ёпиб олади. 13 Мен унинг устига тўр ташлайман, у
тузоғимга тушади. Мен уни Халдейлар* юрти Бобилга олиб бораман, аммо у
Бобилни кўра олмайди. У ўша ерда оламдан ўтади. 14 Мен шоҳ саройининг бутун
аҳлини — вазирлару соқчиларини тўрт томонга тарқатиб юбораман. Қиличимни
яланғочлаб, уларни таъқиб қиламан.
15 Эй Исроил халқи, Мен сизларни халқлар орасига тарқатиб ташлаганимда,
бошқа юртларга қувиб юборганимда, Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.
16 Аммо Мен баъзиларингизни асраб қоламан. Уларни жангда сақлайман,
очарчилигу ўлатдан қутқараман. Улар бошқа халқлар орасига сургун бўлганда,
қилган жирканч одатларини эътироф қиладилар. Ўшанда Эгангиз Мен
эканлигимни билиб оласизлар.»”

Жазо кечиктирилмайди

17 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 18 “Эй инсон, нонингни еганингда
титрагин, сувингни ичганингда қўрқув ичра қалтирагин. 19 Юртдаги одамларга
айт: «Исроил юрти ва Қуддус аҳолиси тўғрисида Эгамиз Раббий шундай демоқда:
бу одамлар ёвуз бўлиб кетганлари учун, Мен уларнинг юртини талон–тарож
қилдираман. Улар нонни қўрқув ичра ейдилар, сувни саросима ичра ичадилар.
20 Аҳоли яшаган шаҳарлари вайрон бўлади, бутун юрт ташландиқ бўлиб қолади.
Шунда улар Эгаси Мен эканлигимни билиб оладилар.»”

Эгамизнинг сўзлари амалга ошади

21 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 22 “Эй инсон, Исроил юртида айтилаётган,
«кунлар ўтяпти, башоратлар эса пучга чиқяпти» деган мақолни эшитгансан.
23 Энди халқим олдига бориб айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен бу
мақолни йўқ қилиб юбораман. Исроилда уни айтмайдиган бўлишади.» Яна уларга
айт: «Башоратлар бажо бўладиган кунлар яқинлашиб қолди. 24 Энди Исроил
юртида сохта башоратлару ёлғон кароматлар айтилмайди. 25 Аммо Мен, Эгангиз,
сизларга гапираман, айтган сўзларим амалга ошади, кечикмайди. Эй исёнкор
халқ, сизлар ҳаёт бўлган кунларда айтганларимни бажо келтираман. Эгамиз
Раббийнинг каломи шудир.»”
26 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 27 “Эй инсон! Исроил халқи сен айтган
башоратлар узоқ келажакка тааллуқли, деб ўйлаяпти. 28 Шунинг учун уларга
бориб айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: айтган бирорта сўзим кечикмайди,
ҳаммаси амалга ошади! Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»”

13–БОБ

Сохта пайғамбарларнинг ҳоли

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Исроилда ўзича башорат
қилиб юрган пайғамбарларга қарши башорат қил. Уларга шундай деб айт:

«Эгамизнинг сўзларини эшитинг! 3 Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй аҳмоқ
пайғамбарлар, ҳолингизга вой! Сизлар ҳеч қандай ваҳий кўрмагансиз,
башоратларингизни ўзингиз ўйлаб тўқигансиз.»
4 Исроил халқига айт: «Пайғамбарларингиз шаҳар вайроналари орасида
дайдиб юрган чиябўриларга ўхшайди. 5 Мана, улар деворнинг ўпирилиб тушган
жойларини қўриқламадилар, деворни тузатмадилар. Энди Менинг ғазаб
кунимдаги жангда сизлар ўзингизни муҳофаза қила олмайсиз.
6 Пайғамбарларингизнинг кўрган ваҳийлари сохта, кароматлари ёлғондир! Мен
уларни юбормаганман, аммо улар ‘Эгамиз шундай демоқда’, деб гапирадилар. Яна
ўз гаплари амалга ошишини кутадилар! 7 Кўрган ваҳийлари сохта эмасми?!
Айтган кароматлари ёлғон эмасми?! Мен уларга гапирмасам ҳам, ‘Эгамиз шундай
демоқда’, деб айтишади! 8 Пайғамбарларингиз ёлғон гаплар айтиб юрибдилар,
сохта ваҳийлар кўряптилар. Шунинг учун уларга қаршиман, — деб айтмоқда
Эгамиз Раббий. 9 — Бу ёлғончи пайғамбарларга қўл кўтараман, уларни
кенгашингиздан йўқ қиламан. Номларини Исроил халқи рўйхатидан ўчириб
ташлайман, улар ҳеч қачон Исроил юртига қайтиб келмайдилар. Ўшанда Эгангиз
Раббий Мен эканлигимни билиб оласизлар.»
10 Эй инсон, нотинч пайтларда, бу пайғамбарлар «тинчлик», дея халқимни
йўлдан урадилар. Халқим заиф девор кўтарганда, пайғамбарлар уни оҳак билан
оқлайдилар. 11 Шунинг учун деворни оқлаётганларга айт: «Бу девор қулайди.
Унинг устига жала ёғади, катта–катта дўл тушади, унга қарши довул туради.
12 Девор қулаганда одамлар сизларга: ‘Деворни оқлаганингиздан нима фойда
чиқди?!’ деб айтмайдими? 13 Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен ғазаб устида
довул турғизаман. Қаҳр устида жала ёғдираман. Жаҳл устида дўл юбориб,
деворни қулатаман. 14 Сизлар оҳак билан оқлаган бу деворни Мен йиқитаман. Уни
пойдеворигача очиб ташлайман. Қулаган девор сизларни босиб қолади, сизлар
ҳаммангиз ҳалок бўласизлар. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб
оласизлар.»
15-16 Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий шундай деб айтмоқда: шу йўсинда
Мен ғазабимни девор ва деворни оқлаган одамлар устига ёғдираман. Мен
сизларга: ‘Девор ҳам, уни оқлаган одамлар ҳам йўқ бўлди’, деб айтаман. Ҳа, бу
пайғамбарлар нотинч дамларда Қуддус аҳолисига башорат қилиб, тинчлик
ваҳийларини берган эдилар.»

Жодугар аёлларнинг ҳоли

17 Эй инсон, Исроил халқининг ўзича башорат қилиб юрган аёлларига юзлан.
Уларга қарши башорат қилиб 18 айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй
одамларнинг жонини овлаб юрган аёллар, сизларнинг ҳолингизга вой! Сизлар
ҳар бир одамнинг билагига тумор тақасизлар. Ёшу қарининг бошига ёпинчиқлар
ёпасизлар*. Сизлар халқимнинг жонларини овлаб туриб, ўз жонимизни сақлаб
қоламиз, деб ўйлайсизми?! 19 Сизлар бир ҳовуч арпа билан бир бурда нон учун
халқим олдида Мени бадном қилдингиз–ку! Ёлғонни хуш кўрган халқимга ёлғон
гапириб, айбсиз одамни нобуд қилдингиз. Ўлимга лойиқ бўлган одамнинг
жонини эса асраб қолдингиз.
20 Шунинг учун Эгамиз Раббий айтмоқда: сизлар туморларингиз билан
одамларнинг жонларини овлаяпсизлар. Мен ўша туморларингизга қаршиман.
Мен уларни қўлларингиздан юлиб оламан, қафасдаги қушни озод қилгандай,
халқимни озод қиламан. 21 Ёпинчиқларингизни йиртиб ташлайман, халқимни
чангалингиздан халос қиламан. Улар энди сизнинг қурбонларингиз бўлмайди.
Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар. 22 Сизлар ёлғонларингиз

билан солиҳ одамнинг дилини ранжитдингиз. Мен эса уни ранжитмоқчи эмас эдим. Фосиқ одам ёмон йўлидан қайтмаслиги, жонини сақлаб қолмаслиги учун сизлар уни қўллаб турдингиз. 23 Шу сабабдан энди сизлар ёлғон ваҳийлар кўрмайсизлар, фол очиб юрмайсизлар. Мен Ўз халқимни чангалингиздан озод қиламан. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.»”

14–БОБ

Худо бутпарастликни ҳукм қилади

1 Исроил оқсоқолларидан баъзи бирлари мени кўргани келдилар. 2 Шу онда
Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 3 “Эй инсон, бу одамлар бутларга кўнгил
қўйганлар, гуноҳ уларнинг бошига ҳалокат келтиради*. Шундай экан, Менга
маслаҳат солишларига қандай йўл қўяй?! 4 Сен уларга айт: «Эгамиз Раббий
шундай демоқда: Исроил халқидан бирорта одам бутларга кўнгил қўйса, бу гуноҳ
унинг бошига ҳалокат келтиради. Агар бундай одам маслаҳат сўрагани пайғамбар
олдига келса, Мен, Эгангиз, ўша одамнинг саноқсиз бутларига яраша жавобини
бераман. 5 Ўша бутлари туфайли бутун Исроил халқи Мендан узоқлашиб кетди,
аммо Мен берадиган жавобим билан уларнинг садоқатини қозонаман.»
6 Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: тавба қилинглар,
бутларингиздан воз кечинглар. Жирканч одатларингиздан юз ўгиринглар. 7 Эй
Исроил халқи, билиб қўйинглар, агар сизлардан бирортангиз ёки орангизда яшаб
юрган бирорта мусофир Мендан юз ўгириб, бутларга кўнгил қўйса, бу гуноҳ
унинг бошига ҳалокат келтиради. Бундай одам пайғамбар олдига келиб, Менга
маслаҳат солса, ўша одамга жавобни Ўзим бераман. 8 Мен бундай одамларга
қарши чиқаман. Бошқалар уларни мисол қилиб, масаллар айтади. Мен уларни
орангиздан йўқ қиламан. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.
9 Агар пайғамбар янглишиб, нотўғри маслаҳат берса, ўша пайғамбарни Мен,
Эгангиз, янглиштирган бўламан. Мен унга қарши қўлимни кўтараман, уни
орангиздан даф қиламан. 10 Мен пайғамбарни ҳам, унинг олдига маслаҳат сўраб
келган одамни ҳам бирдай жазолайман. 11 Шунда сизлар йўлимдан озмайдиган
бўласиз, гуноҳларингиз билан ўзингизни булғамайсиз. Сизлар Менинг халқим
бўласиз, Мен эса сизларнинг Худойингиз бўламан. Эгамиз Раббийнинг каломи
шудир.»”

Эгамиз юрт аҳолисини жазолаши муқаррар

12 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 13 “Эй инсон, агар бирор юртнинг аҳолиси
Менга бўлган садоқатини унутиб, гуноҳга қўл урса, Мен уларга қарши қўлимни
кўтариб, бутун юртга очарчилик юбораман. Одамларни бир бурда нонга зор
қиламан. Юртдаги одаму ҳайвонларни қириб ташлайман. 14 Бундай халқ орасида
ҳаттоки Нуҳ, Дониёр* ва Аюб пайғамбарлар яшаган тақдирда ҳам, улар солиҳлиги
туфайли фақат ўз жонларини сақлаб қолган бўлишарди, — деб айтмоқда Эгамиз
Раббий. 15 — Мен ўша юрт аҳолисини йиртқич ҳайвонларга талатмоқчи бўлдим,
дейлик. Юрт ҳувиллаб қолиб, ҳайвонлар туфайли одамлар у ерга оёқ босмай
қўйди ҳам, дейлик. 16 Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб
айтаманки, агар ўша учала пайғамбар у ерда бўлганда эди, улар ўз бола–чақасини
ҳам қутқара олмаган бўларди. Улар фақат ўз жонларини сақлаб қолган бўларди.
Юрт эса харобазорга айланарди. 17 Ёки Мен ўша юртга душман юбориб, у ердаги
бор жонзотни қиличдан ўтказишга қарор қилдим, дейлик. 18 Мен, Эгангиз Раббий,
барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, агар ўша учала пайғамбар у
ерда бўлганда эди, улар ўз бола–чақасини ҳам қутқара олмаган бўларди. Улар

фақат ўз жонларини сақлаб қолган бўларди, холос. 19 Ёки Мен ўша юртга ғазабимни ёғдириб, бутун жонзотни ўлат орқали қириб ташламоқчи бўлдим, дейлик. 20 Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, ҳаттоки Нуҳ, Дониёр ва Аюб у ерда бўлганда эди, улар ўз бола–чақасини ҳам қутқара олмаган бўларди. Улар фақат ўз жонларини сақлаб қолган бўларди.”

21 Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Мен бундан ҳам баттарини қиламан, Қуддус устига тўрт хил даҳшатли кулфат ёғдираман. Шаҳардаги одамлар ва ҳайвонлар уруш, очарчилик, ёввойи ҳайвонлар дастидан ва ўлатдан нобуд бўладилар! 22 Аммо баъзи эркагу аёллар омон қоладилар. Улар қочиб, сизларнинг олдингизга, Бобилга келадилар. Ўшанда уларнинг юриш–туришини, қилмишларини ўзларингиз кўриб, Мен Қуддус устига юборган ҳамма кулфатлардан таскин топасизлар. 23 Ҳа, ўша одамларнинг юриш–туришини, қилмишларини кўрганларингиздан кейин таскин топасизлар. Қилган ҳамма ишларим бежиз эмаслигини билиб оласизлар.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

15–БОБ

Узум токи ҳақида матал

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, ток новдасининг ёғочдан фарқи борми?! Ўрмон дарахтларидан унинг бирон афзаллиги борми?! 3 Ундан бирон–бир нарса ясаб бўладими? Ҳеч бўлмаса, буюм осиш учун қозиқ қилса бўладими? 4 Йўқ, у фақат ўтин учун ярайди, холос. Новданинг икки чеккаси куйиб, ўртаси ёниб бўлгандан кейин, уни бирон нарсага ишлатиб бўлармиди, ахир?! 5 Куймаган ток новдаси яроқсиз бўлгандан кейин, куйиб бўлгани ҳеч қандай фойда келтирмаслиги аниқ!

6 Шунинг учун Мен, Эгангиз Раббий, шуни айтиб қўяй: Қуддус аҳолиси ўрмон дарахтлари орасидаги узум токига ўхшайди. Улар яроқсиз бўлганлари учун, Мен уларни оловда куйдириб юбораман. 7 Мен Ўзим уларга қарши чиқаман. Улар оловдан қочиб қутулсалар ҳам, барибир, оловдан нобуд бўладилар. Мен уларга қарши чиққанимдан кейин, Эгангиз Мен эканлигимни сизлар билиб оласизлар. 8 Халқим Менга хиёнат қилгани учун, Мен бутун юртни саҳрога айлантираман.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

16–БОБ

Қуддус гўзал келинчак тимсолида

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Қуддуснинг барча жирканч одатларини юзига солиб, 3 айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: асли сен Канъон юртида туғилгансан, сенинг отанг Амор халқидан, онанг Хет уруғидан бўлган*. 4 Сен туғилганингда, ҳеч ким сенга қарамаган. Ҳеч ким киндигингни қирқмаган, сени ювинтирмаган, терингни туз билан артиб, йўргакламаган. 5 Биронта одамнинг сенга раҳми келмаган, ҳеч ким сенга ачинмаган, қарамаган. Сен туғилганингда, ҳамма сендан ҳазар қилган, шунинг учун сени далага олиб бориб ташлашган.

6 Мен ўша ердан ўтиб кетаётиб, сени кўриб қолдим. Сен ўз қонингга беланиб, типирчилаб ётган эдинг. Шунда Мен сенга: ‘Сен ўлмайсан!’ дедим. Сенга умр тиладим. 7 Мен сени даштдаги ўсимлик каби ўстирдим. Сен улғайдинг, бўйинг чўзилди, энг гўзал бир гавҳарга ўхшаб қолдинг*. Сенинг кўкракларинг тўлишди,

сочларинг узун бўлди, аммо сен қип–яланғоч эдинг.
8 Мен яна ўша ердан ўтиб кетаётиб, сени кўриб қолдим. Сен севги учун
етилганингни кўриб, кийимимнинг этаги билан яланғоч баданингни ёпдим. Мен
сенга қасамёд қилдим, сен билан никоҳ аҳдини туздим. Шунда сен Меники
бўлдинг, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 9 — Сени чўмилтириб, баданингга
ёпишиб қолган қон қолдиқларини ювиб ташладим. Терингга хушбўй мойларни
суртдим. 10 Эгнингга нақш солинган кўйлак, оёғингга юмшоқ теридан тикилган
чориқлар кийдирдим. Бошингга ҳарир рўмол ўраб, устингга шойи тўн ташладим.
11 Қимматбаҳо безаклар билан сенга зеб бердим: қўлларингга билагузуклар,
бўйнингга тилла занжир, 12 бурнингга узук, қулоқларингга сирға тақдим,
бошингга гўзал бир тож кийдирдим. 13 Сени олтину кумуш билан безантирдим,
устингга қимматбаҳо шойи, майин зиғир матосидан тикилган либослару нақш
солинган кўйлаклар кийдирдим. Олий навли ундан ёпилган нонлар билан, зайтун
мойи ва асал билан сени боқдим. Сен ниҳоятда гўзал бўлдинг, ҳақиқий маликага
ўхшаб қолдинг. 14 Мислсиз гўзаллигинг билан халқлар орасида донг таратдинг,
чунки Мен сенга берган улуғворлигим гўзаллигингни мукаммал қилган эди.
Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

Қуддус фоҳиша тимсолида

15 Сен эса гўзаллигингга ишондинг. Шуҳратингдан фойдаланиб, фаҳш йўлига
кирдинг*. Ўтган–кетган эркакка ўзингни бердинг, гўзаллигингдан уларни
баҳраманд қилдинг. 16 Мен сенга берган нафис матолар билан саждагоҳларингни*
безаб, у ерда фоҳишалик қилдинг. Қандай шармандагарчилик! Асло бундай
бўлиши керак эмас эди! 17 Бундан ташқари, Мен сенга берган олтин ва кумуш
безаклардан ўзингга эркак тасвиридаги ҳайкалчалар ясаттирдинг. Улар билан
зино қилдинг. 18 Нақш солинган кўйлакларингни бутлар устига кийдирдинг. Мен
сенга берган мой билан хушбўй тутатқиларни уларга назр қилдинг. 19 Сенга нон
учун берган олий навли унни, зайтун мойи ва асални бутларингга хушбўй
ҳадялар сифатида тортиқ қилдинг. Эҳа, шулар содир бўлди, — деб айтмоқда
Эгамиз Раббий. 20 — Сўнг Мендан кўрган ўғил–қизларингни олдинг, уларни ўз
бутларингга ем қилиб, қурбон қилдинг. Наҳотки фоҳишалик қилганинг етмаган
бўлса?! 21 Болаларимни сўйишинг, уларни бутларингга қурбонлик қилиб, оловда
куйдиришинг* шартмиди?! 22 Жирканч одатлару фоҳишалик қилганингда сен
бирон марта ҳам ўз болалигингни эсламадинг, қип–яланғоч бўлганингни, ўз
қонингга беланиб типирчилаб ётганингни эсга олмадинг.
23 Сенинг ҳолингга вой! — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Қилган
қабиҳликларинг етмагандай сен 24 ўзинг учун сўрилар қурдинг, ҳар бир майдонда
баланд супалар* ўрнатдинг. 25 Ҳар бир кўчанинг бошида баланд супалар қуриб,
гўзаллигингни хор қилдинг. Ўтган–кетганга путингни очдинг, фоҳишаликка
берилиб кетдинг. 26 Аъзоси йирик бўлган қўшни Миср билан ётдинг. Фаҳшга
берилиб, ғазабимни келтирдинг. 27 Шунда Мен қўлимни сенга қарши кўтардим.
Ризқингни камайтириб, сени душманларинг бўлган Филист аёлларининг
ихтиёрига топширдим. Ҳаттоки ўшалар ҳам сенинг беҳаёлигингни кўриб,
ёқаларини ушлашган. 28 Сен тўймас ҳирсингни қониқтириш учун Оссурия* билан
фоҳишалик қилдинг. Аммо шунда ҳам қониқмадинг. 29 Савдогарлар юрти бўлган
Бобил* билан ҳам фаҳшга берилдинг, аммо шунда ҳам қониқмадинг.
30 Нақадар бузуқдир сенинг юрагинг! — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Сен
ўзингни шалоқ хотиндай тутдинг–ку! 31 Сен ҳар бир кўчанинг бошида сўрилар
қурдинг, ҳар бир майдонда баланд супалар ўрнатдинг. Йўқ, сен фоҳишадай эмас
эдинг, сен тўловдан ҳазар қилардинг. 32 Сен бузуқ аёлсан! Бегона эркакларни ўз

эрингдан афзал кўрдинг. 33 Ҳамма фоҳишаларга совғалар берилади. Лекин сен
ҳамма ўйнашларингга совғалар бердинг. Ҳар ёқдан келиб, сен билан фоҳишалик
қилишлари учун уларни сотиб олдинг. 34 Ҳа, сен бошқа фоҳишалардан ажралиб
турасан. Ҳеч ким сени фоҳишалик қилишга ундамаган, ҳеч ким сенга тўлов
бермаган. Аксинча, бошқаларга сен тўлов бергансан. Ҳақиқатан ҳам, сен
бошқачасан!»

Худо Қуддусни ҳукм қилади

35 Эй инсон, Қуддусга айт: «Энди эса, эй фоҳиша, Эгамизнинг сўзларини эшит!
36 Эгамиз Раббий шундай демоқда: сен кийимларингни ечиб, ўйнашларинг билан
фоҳишалик қилдинг, макруҳ бутларингга сажда этдинг. Ўз болаларингнинг
қонини тўкиб, худоларингга қурбон қилдинг. 37 Шунинг учун сендан лаззатланган
ҳамма ўйнашларингни Мен ҳар ердан йиғиб келаман. Сен севганларни ҳам,
нафратланганларни ҳам сенга қарши йиғаман. Сени қип–яланғоч қилиб,
уларнинг олдига чиқариб қўяман. Улар сени томоша қиладилар. 38 Мен сени
қотиллигинг ва зинокорлигинг учун ҳукм қиламан. Рашку ғазабда сени қонга
белайман. 39 Сени ўйнашларинг ихтиёрига топшираман. Улар сўриларингни
бузадилар, супаларингни вайрон қиладилар. Устингдаги кийимларингни юлиб
оладилар, чиройли тақинчоқларингни тортиб оладилар. Сен қип–яланғоч
қоласан. 40 Улар оломонни йиғиб, сени тошбўрон қиладилар, жасадингни қилич
билан нимталаб ташлайдилар. 41 Уйларингни ёндириб юборадилар, сени бир
талай аёлларнинг кўзи олдида жазолайдилар. Шу йўсин Мен фоҳишалигингга чек
қўяман. Сен ўйнашларингга бошқа тўлов бермайсан. 42-43 Сен болалигингни
эсламаганинг учун, қилмишларинг билан қаҳримни келтирганинг учун, Мен
қилмишларингга яраша жазоингни бераман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. —
Шунда Мен жаҳлдан тушаман, рашкимни босиб оламан. Тинчланиб, бошқа
ғазабланмайман.

Эй Қуддус, жирканч одатларинг етмасмиди, нимага беҳаёлик қилдинг?
44 Одамлар сен ҳақингда гапирганда ‘қиз онасига тортар’ деган мақолни
ишлатишади. 45 Сен ҳақиқатан ҳам ўз эри ва болаларидан ҳазар қилган онангга
ўхшайсан. Эрлари ва болаларидан ҳазар қилган опа–сингилларингдан
қолишмайсан. Сенинг онанг Хет уруғидан, отанг Амор халқидан эди*. 46 Сенинг
опанг Самария ўз қизлари билан шимолда, синглинг Садўм эса ўз қизлари билан
жанубда яшар эдилар. 47 Сен нафақат уларнинг йўлларидан юргансан, жирканч
одатларига тақлид қилгансан, балки қисқа вақт ичида барча қабиҳликларинг
билан улардан ўзиб ҳам кетгансан. 48 Мен, Эганг Раббий, барҳаёт Худо бўлганим
ҳақи онт ичиб айтаманки, сенинг синглинг Садўм ўз қизлари билан сенчалик ва
сенинг қизларингчалик қабиҳликлар қилмаган. 49 Садўмнинг айби шудир: у ва
унинг қизлари мағрур эдилар. Улар тўқ, тинч ва осойишта ҳаёт кечирар эдилар,
аммо мазлуму ночорларга ёрдам бермас эдилар. 50 Ҳа, улар мағрур эдилар,
олдимда жирканч ишлар қилгандилар. Мен буни кўриб, уларни йўқ қилган эдим.
51 Ҳатто Самария ҳам сен қилган гуноҳларнинг ярмисини қилмаган. Сен улардан
кўпроқ қабиҳликлар қилгансан. Қилган қабиҳликларинг олдида опанг билан
синглинг солиҳ бўлиб кўринади. 52 Мана энди шармандалигингга тоқат қилишга
мажбурсан. Сен опа–сингилларингнинг жазосини енгиллаштирдинг. Сен улардан
ҳам баттар гуноҳлар қилиб, уларни бегуноҳдай кўрсатдинг. Энди уялгин,
шармандалигингга тоқат қилгин, чунки сен опа–сингилларингни оппоқ қилиб
кўрсатдинг.

53 Аммо бир кун келиб, Мен Садўм ва Самарияни уларнинг қизлари билан
бирга яна фаровонликка эриштираман. Улар билан бирга сени ҳам тиклайман.

54 Шунда сен шармандалигингга тоқат қилиб, ўзингдан–ўзинг уялиб кетасан,
чунки сен қилган қилмишларинг билан опа–сингилларингни анча юпатдинг.
55 Ҳа, опа–сингилларинг Садўм ва Самария қизлари билан тикланади. Сен ҳам
қизларинг билан қайта тикланасан. 56 Сен мағрурланиб, синглинг Садўмни мазах
қилар эдинг. 57 Аммо энди, сенинг фосиқлигинг бутун дунёга ошкор бўлди. Сен
Эдом* қизлари ва уларнинг ҳамма қўшнилари учун мазах бўлдинг. Филист
қизлари ҳамма жойда сени масхара қиладилар. 58 Сен беҳаёлигинг ва жирканч
одатларингга яраша жазо тортишинг шарт. Эгамизнинг каломи шудир.

Абадий аҳд

59 Эгамиз Раббий демоқда: эй Қуддус, Мен қилган қилмишингга яраша
жазоингни бераман, чунки сен берган ваъдаларингни менсимадинг, аҳдингни
буздинг. 60 Аммо Мен ёшлигингда сен билан тузган аҳдимга* содиқ қоламан, сен
билан абадий бир аҳд тузаман. 61 Сен қилган қилмишларингни эслайсан. Опангни
ҳам, синглингни* ҳам қабул қилганингда уяласан. Мен уларни сенга фарзанд
қилиб бераман. Буни сен билан тузадиган аҳддан ташқари қиламан. 62 Ҳа, Мен сен
билан аҳд тузаман, шунда Эганг Мен эканлигимни билиб оласан. 63 Мен қилган
барча гуноҳларингни кечираман, аммо сен уларни доим ёдингда тутиб, хижолат
бўласан. Уялганингдан сен ҳатто оғзингни ҳам оча олмайсан. Эгамиз Раббийнинг
каломи шудир.»”

17–БОБ

Бургутлар ва узум ҳақида матал

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Исроил халқига қуйидаги бир
матални айтиб бер. 3 Уларга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: баҳайбат,
бароқ патли, чипор бир бургут* улкан қанотларини кенг ёйиб, Лубнон тоғларига
учиб келди. У садр дарахтининг* учини ушлаб, 4 учидаги бир шохчасини синдириб
олди. Сўнг уни савдогарлар шаҳрига олиб бориб, у ерга ўтқазди. 5 Кейин Исроил
юртидан олиб келган ток қаламчасини унумдор ерга экди. Уни сероб сувлар
бўйига мажнунтолдай ўтқазди. 6 Қаламча униб, ерда ёйилган серновда узум
токига айланди. Унинг новдалари бургут томон чўзилди, тагидаги илдизлари
ерга чуқур ёйилди. У токка айланди, новдалари гуркираб ўсди, барра япроқлар
чиқарди.

7 Кейин бошқа баҳайбат бир бургут* учиб келди. Бу улкан қанотли бургут
қалин пат билан қопланган эди. Шунда ток, келган бургут мени суғорар, дея ўсган
жойидан илдизларини бургут томон чўзди, новдаларини у томон узатди. 8 Аммо
ток аллақачон сероб сувлар бўйидаги унумдор ерда ўсаётган эди. У униб чиққан
эди, мўл ҳосил беришга, кўркам узум токи бўлиб етишишга имконияти бор эди.»

9 Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: бу ток энди гуркираб
ўсармикан?! Токни эккан бургут уни илдизи билан суғуриб ташламайдими?!
Узумларини узиб, барра япроқларини қуритиб юбормайдими?! Ҳа, токни суғуриб
ташлаш учун катта куч ёки қудратли лашкар керак эмас. 10 Борди–ю, токни бошқа
бир жойга кўчириб ўтқазса, у яна кўкарармикан?! Йўқ, гармсел* уни батамом
қовжиратиб юборади–ку. Ток ўсган жойида сўлиб қолади–ку.»”

Маталнинг маъноси

11 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 12 “Бу исёнкор Исроил халқига шундай
деб айт: «Маталнинг маъносини тушундингизми? Мен сизларга маъносини айтиб
берай: Бобил шоҳи Қуддусга бостириб келди, у ердаги шоҳу* аъёнларни ўзи

билан Бобилга олиб кетди. 13-14 Сўнг шоҳ оиласига мансуб бўлган бир кишини*
танлади. Унга қасам ичдириб, у билан бир сулҳ тузди. Исроил халқи итоаткор
бўлсин, исён кўтармасин, сулҳга риоя қилгани учун омон қолсин деб, Бобил шоҳи
юртдаги барча нуфузли одамларни ўзи билан олиб кетди. 15 Аммо янги танланган
Исроил шоҳи* Бобилга қарши исён кўтарди. У Миср шоҳи ҳузурига чопарлар
жўнатди, ундан кўмак учун отлару лашкар сўради. У муваффақият
қозонармикан?! Бундай иш қилган одам жазосиз қолармикан?! Сулҳни бузган
киши жазодан қочиб қутулармикан?! 16 Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо
бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, бундай шоҳ Бобилда жон беради. Гарчи
Бобил шоҳи уни тахтга чиқарган бўлса–да, у Бобил шоҳи билан тузган сулҳни
бузди, ичган қасамини назар–писанд қилмади. 17 Шу сабабдан Бобил шоҳи
Қуддусдаги кўп одамларни қатл қилиш учун шаҳар деворига қиялатиб тупроқ
уйдиради*, қамал иншоотларини* қурдиради. Шунда Исроилга ҳатто
фиръавннинг қудратли лашкари ҳам ёрдам бера олмайди. 18 Чунки Исроил шоҳи
ичган қасамидан қайтди, тузган сулҳни бузди. У Бобил шоҳига сўз берган
бўлса–да, ана шу ишларни қилди! Мана энди у қочиб қутула олмайди! 19 Шунинг
учун Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки,
аҳдимни бузган, Менинг номим билан ичган қасамидан қайтган бу одам жазосиз
қолмайди. 20 Мен унинг устига тўр ташлайман, уни Ўз тузоғимга тушираман.
Менга хиёнат қилгани учун уни Бобилга олиб бориб, у ерда адабини бераман.
21 Унинг қочаётган жангчилари қиличдан ҳалок бўладилар, омон қолганлари
дунёнинг тўрт томонига тарқалиб кетадилар. Шунда сизларга бу сўзларни айтган
Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.

Худонинг умидбахш ваъдаси

22 Мен, Эгангиз Раббий, айтаманки, баланд садр дарахтининг учидан нозик бир
новдани* оламан. Улкан тоққа чиқиб, уни ўтқазаман. 23 Ҳа, Исроил тоғининг*
чўққисига экаман. Новда бутоқ чиқариб, ҳосилга киради, кўркам садр дарахти
бўлиб етишади. У ерда ҳар хил қушлар яшайди, турли паррандалар дарахтнинг
шохлари соясида паноҳ топади. 24 Ана ўшанда даштдаги ҳамма дарахтлар Эгангиз
Мен эканлигимни билиб олади. Зотан, улкан дарахтларни йиқитадиган Менман.
Паст дарахтларни баланд қилиб, ўстирадиган ҳам Менман. Кўкариб турган
дарахтни қовжиратадиган ҳам, қовжираган дарахтни кўкартирадиган ҳам
Менман. Буларни Мен, Эгангиз, айтдим! Айтганларимнинг ҳаммасини Ўзим
амалга ошираман.»”

18–БОБ

Шахсий масъулият

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Нима учун сизлар Исроил юртида:

«Оталари нордон узум ейишган эди,
Болаларининг тиши қамашди»,

деган мақолни ишлатасизлар?
3 Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки,
сизлар энди Исроилда бу мақолни бошқа айтмайдиган бўласизлар. 4 Билиб
қўйинг, ҳар бир одамнинг жони Меникидир. Ота–оналарнинг ҳам, болаларнинг
ҳам жонлари Менга тегишлидир. Фақат гуноҳ қилган одамгина ўлади.
5 Борди–ю, одам солиҳ бўлиб, адолатли ва тўғри ишлар қилса, 6 Исроил

халқининг бутларига сиғинмаса, бутхоналарда келтирилган қурбонликлардан тановул қилмаса, бировнинг хотини билан зино қилмаса, ҳайз кўрган аёлга яқинлашмаса, 7 бировга жабр қилмаса, гаровга олган нарсасини қайтариб берса, ўғрилик қилмаса, очга нон, яланғочга кийим берса, 8 берган қарзидан фоиз талаб қилмаса, ўзини гуноҳдан тортса, тўғри ҳукм чиқарса, 9 фармонларимга риоя қилса, қонун–қоидаларимни битта қолдирмай садоқат билан бажарса, Мен, Эгангиз Раббий, айтаманки, бундай одам ҳақиқатан ҳам солиҳ ҳисобланиб албатта яшайди.

10 Энди шундай солиҳ одамнинг ваҳший бир ўғли бор, деб фараз қилайлик. Борди–ю, бу ярамас ўғил қотиллик қилса ёки қуйидаги жиноятларнинг бирортасига қўл урса: 11 отаси қилмаган ишларни қилиб, бутхоналарда келтирилган қурбонликлардан тановул қилса, бировнинг хотини билан зино қилса, 12 камбағалу мазлумларга жабр етказса, ўғриликка қўл урса, гаровга олган нарсани қайтармаса, бутларга сиғинса, жирканч одатларга тақлид қилса, 13 берган қарзидан фоиз талаб қилса, у яшармиди?! Йўқ! Бундай жирканч ишларга қўл урган одамга ўлим жазоси берилсин. У ўз бошини ўзи еган бўлади!

14 Аммо бундай фосиқ кишининг ўғли, отасининг қилган гуноҳларини кўрса–ю, отасига тақлид қилмаса, 15 Исроил халқининг бутларига сиғинмаса, бутхоналарда келтирилган қурбонликлардан тановул қилмаса, бировнинг хотини билан зино қилмаса, 16 бировга зулм ўтказмаса, қарздорларидан кафиллик талаб қилмаса, ўғрилик қилмаса, очга нон, яланғочга кийим берса, 17 камбағалга жабр етказмаса*, берган қарзидан фоиз олмаса, қонун–қоидаларимга риоя қилиб, фармонларимни бажарса, бундай одам ўз отасининг гуноҳлари учун ўлдирилмасин. У албатта яшасин. 18 Қилган қабиҳликлари учун отасининг ўзи ўлдирилсин, чунки у биродарига жабр етказиб, нарсасини ўғирлади, одамлар орасида ярамас ишлар қилди.

19 Сизлар эса: «Йўғ–э, наҳотки бола отасининг гуноҳи учун жазо тортмаса?» деб айтасизлар. Агар бола адолатли ва тўғри ишлар қилса, қонун–қоидаларимнинг ҳаммасини битта қолдирмай бажарса, у албатта яшайди. 20 Гуноҳ қилган одамгина ўлади. Бола отасининг гуноҳи учун жазоланмайди, ота ҳам боласининг гуноҳи учун жазоланмайди. Солиҳ одамлар ўз солиҳлигига яраша мукофот оладилар, фосиқлар ўз фосиқлиги учун жазо тортадилар.

21 Борди–ю, фосиқ одам қилган гуноҳларидан тавба қилса, қонун–қоидаларимнинг ҳаммасини бажарса, адолатли ва тўғри ишлар қилса, у албатта яшайди, ўлмайди. 22 Мен бундай одамнинг қилган барча гуноҳларидан кечиб юбораман. У қилган солиҳ ишлари туфайли яшайди. 23 Наҳотки фосиқ одамнинг ўлимини истасам? — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Йўқ! Мен унинг ёмон йўлдан қайтишини ва яшашини истайман!

24 Ёмон йўлга кириб кетган солиҳ одам–чи? Фосиқлар каби жирканч ишлар қилган бундай одам яшайдими? Йўқ! Мен унинг бирон та хайрли ишини эсга олмайман. У Менга хиёнат қилгани учун, гуноҳга қўл ургани учун ўлади.

25 Сизлар эса: «Раббий нотўғри иш тутяпти», деб айтяпсизлар. Эй Исроил халқи, гапимни тингланг: нотўғри иш тутган Менми ёки сизларми?! 26 Билиб қўйинг, ёмон йўлга кириб кетган ҳар бир солиҳ киши қилган гуноҳи учун ўлади. 27 Ёмон йўлдан қайтган фосиқ эса адолатли ва тўғри ишлар қилса, ўз ҳаётини асраб қолади. 28 Бундай одам тутган йўли нотўғри эканлигини англаб, қилган гуноҳларидан қайтгани учун албатта яшайди, у ўлмайди. 29 Шундай бўлса–да, Исроил халқи: «Раббий нотўғри иш тутяпти», деб айтяпти. Эй Исроил халқи, қани, Менга айтинг–чи, нотўғри иш тутган Менми ёки сизларми?!

30 Эй Исроил халқи, ҳар бирингизни тутган йўлингизга яраша ҳукм қиламан, —
деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Тавба қилинглар! Гуноҳларингиздан қайтинглар!
Акс ҳолда, гуноҳ бошингизга ҳалокат келтиради*. 31 Менга қарши қилган
гуноҳларингиздан воз кечинглар. Ўзларингиз учун янги юрак ва янги руҳ
олинглар! Нима учун сизлар ўлишингиз керак, эй Исроил халқи?! 32 Бironта
одамнинг ҳалок бўлишини истамайман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Ёмон
йўлдан қайтинглар, яшанглар!”

19–БОБ

Ҳасрат қўшиғи

1 Эгамиз менга Исроилнинг икки шаҳзодаси* учун мана шу марсияни
айтишимни буюрди:

2 “Сенинг онанг* қўрқмас бир шер эди!
У шерлар орасида ўрнашди,
Ёш шерлар орасида болаларини ўстирди.
3 Битта боласи* кучли бир шер бўлди.
У ов қилишни ўрганди,
Одамхўрлик қила бошлади.
4 Буни халқлар эшитдилар,
Шерни ўзларининг тузоғига туширдилар.
Уни занжирбанд қилиб,
Мисрга олиб кетдилар.
5 Она шер умиди пучга чиққанини кўрди,
Орзуси ушалмаганини билди.
Шунда бошқа боласини* ўстирди,
Уни кучли бир шер қилди.
6 У катта бўлгач,
Бошқа шерлар ила изғийдиган бўлди.
Ов қилишни ўрганди,
Одамхўрлик қила бошлади.
7 Қалъаларини бузар эди*,
Шаҳарларини вайрон қиларди.
Юрт ва унинг бутун аҳолиси
У ўкирганда даҳшатга тушарди.
8 Атрофдаги ҳудудлардан халқлар
Унга ҳужум қилдилар.
Устига тўр ташлаб,
Тузоғига туширдилар.
9 Занжирбанд қилиб, қафасга солдилар,
Бобил шоҳи ҳузурига олиб бордилар.
Исроил тоғларида унинг товуши
Бошқа эшитилмасин дея,
Уни зиндонга ташладилар.

10 Сенинг онанг* узумзордаги токдай эди,
Ариқ бўйига ўтқазилган эди.
Сувга мириққанидан
Серновдаю серҳосил эди.

11 Бақувват новдалари
Салтанат ҳассаларига* айланди.
Қалин шох–шаббадан ҳам баланд кўтарилди.
Баландлиги, сербарглиги билан
Кўзга ташланиб турар эди.
12 Аммо ғазаб ичра ток суғуриб ташланди,
Ерга улоқтириб юборилди.
Шарқдан эсган шамол ҳосилини қуритди,
Бақувват новдалари синиб қуриди.
Ҳаммасини олов ямлаб юборди.
13 Энди бу ток саҳрога ўтқазилган.
Ҳа, сувсаган, қақроқ чўлга экилган.
14 Унинг поясидан олов чиқди,
Новдалару меваларини куйдириб юборди.
Биронта бақувват новдаси қолмади,
Салтанат ҳассасига ярамайдиган бўлди.”

Бу марсия қўшиғидир, у мотам оҳангида куйланади.

20–БОБ

Исёнкор Исроил

1 Сургун бўлган пайтимизнинг еттинчи йили бешинчи ойининг* ўнинчи кунида айрим Исроил оқсоқоллари Эгамизга маслаҳат солмоқчи бўлиб, олдимга келдилар. Улар рўпарамга ўтирдилар. 2 Шунда Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 3 “Эй инсон, Исроил оқсоқолларига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: сизлар ҳали Менга маслаҳат солмоқчи бўлиб келдингизларми?! Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, сизларга ҳеч қандай маслаҳат бермайман!»

4 Эй инсон, келган бу одамларни сен ҳукм қилишга тайёрмисан? Қани, уларга ота–боболарининг қилган жирканч одатлари ҳақида гапириб бер–чи. 5 Уларга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен Исроил халқини танлаб, Мисрда уларга Ўзимни танитган эдим. Ўшанда Мен уларга, Эгангиз Худо бўламан, деб онт ичгандим. 6 Уларни Мисрдан олиб чиқишга, улар учун танлаб қўйган энг улуғвор юртга — сут ва асал оқиб ётган юртга* олиб боришга онт ичган эдим. 7 Ўшанда уларга айтган эдим: ‘Ҳар бирингиз, кўзингизни қувонтирган макруҳ бутларингизни йўқотинглар. Миср бутларига сиғиниб ўзингизни булғаманглар. Эгангиз Худо Менман.’ 8 Аммо улар Менга қарши исён кўтардилар. Гапимга қулоқ солмадилар. Бирontаси ҳам макруҳ бутини ташламади, Миср худоларидан улар воз кечмадилар.

Шунда Мен қаҳру ғазабимни Мисрдаёқ уларнинг устига ёғдирмоқчи бўлдим. 9 Аммо шахтимдан қайтдим. Исроил атрофида яшаган халқлар олдида бадном бўлишни истамадим. Чунки Мен Исроил халқини Мисрдан олиб чиқиб, ўша халқлар олдида Ўзимни танитган эдим. 10 Шунинг учун Мен Исроил халқини Мисрдан олиб чиқдим, саҳрога бошлаб бордим. 11 У ерда уларга фармонларимни бердим, қонун–қоидаларимни билдирдим. Зотан, қонун–қоидаларимга риоя қилган ҳар қандай киши яшайди. 12 Мен уларга Шаббат кунларимни Ўзим ва улар орасидаги аломат қилиб бердим. Токи уларни муқаддас қиладиган Эгаси Мен эканлигимни билишсин. 13 Аммо улар саҳрода ҳам Менга қарши исён кўтардилар. Фармонларимни бажармадилар, қонун–қоидаларимни рад этдилар. Ўшаларга

риоя қилган киши яшаган бўларди. Улар Шаббат кунларимни ҳам булғадилар.

Шунда Мен саҳрода уларнинг устига ғазабимни ёғдириб, йўқ қилиб юбормоқчи бўлдим. 14 Аммо Исроилни Мисрдан олиб чиққанимни кўрган халқлар олдида бадном бўлмаслигим учун шахтимдан қайтдим. 15 Шундай бўлса–да, уларни дунёдаги энг улуғвор юртга, сут ва асал оқиб ётган юртга олиб бормайман, деб саҳрода онт ичдим. 16 Улар қонун–қоидаларимни рад этган эдилар, фармонларимни бажармаган эдилар, Шаббат кунларимни булғагандилар. Қўйингки, қалбларини бутларга бағишлаган эдилар. 17 Шунга қарамай, Мен уларга ачиндим, саҳрода қирилиб кетишларига йўл қўймадим.

18 Мен уларнинг фарзандларига шундай деб уқтирдим: ‘Ота–боболарингиз йўлидан юрманглар, уларнинг одатларига тақлид қилманглар, бутлари билан ўзингизни булғаманглар. 19 Мен Эгангиз Худоман. Менинг фармонларимга риоя қилинглар, қонун–қоидаларимни битта қолдирмай бажаринглар. 20 Шаббат кунларимни муқаддас деб билинглар, чунки булар орамиздаги аломатдир. Шунда Эгангиз Худо Мен эканлигимни билиб оласизлар.’

21 Аммо фарзандлари ҳам Менга қарши исён кўтардилар. Қонунларимга риоя қилган киши яшаган бўларди. Аммо улар фармонларимни бажармадилар, қонун–қоидаларимга риоя қилмадилар. Шаббат кунларимни булғадилар. Шунда Мен саҳрода уларнинг устига ғазабимни ёғдирмоқчи бўлдим. 22 Аммо Исроилни Мисрдан олиб чиққанимни кўрган халқлар олдида бадном бўлмаслигим учун Ўзимни тийдим.

23 Шундай бўлса–да, Мен саҳрода онт ичдим: сизларни бошқа юртларга қувиб юбораман, халқлар орасига тарқатиб ташлайман, деб айтдим. 24 Чунки улар қонун–қоидаларимни буздилар, фармонларимни рад этдилар, Шаббат кунларимни булғадилар, кўнгиллари ота–боболарининг бутларини тусади. 25 Мен уларга ёмон қонунларни, ҳаёт учун яроқсиз қоидаларни бердим. 26 Уларни ўзлари келтирган назрлари билан булғадим. Тўнғич болаларини қурбонлик қилиб, оловда куйдиришларига йўл қўйиб бердим*. Уларни хонавайрон қилиш учун шундай қилдим, токи улар Эгаси Мен эканлигимни билиб олишсин.»

27 Шунинг учун, эй инсон, Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий демоқда: сизларнинг ота–боболарингиз Менга хиёнат қилиб, шак келтирар эдилар. 28 Мен, бераман, деб онт ичган юртга уларни олиб кирганимдан сўнг, улар кўзига кўринган ҳар бир баланд тепалик устида, ҳар бир яшил дарахт остида ўз худоларига қурбонликлар келтирар эдилар. Мени қаттиқ ғазаблантирар эдилар! Ўша худоларига хушбўй тутатқилар тутатиб, шаробни назр қилардилар. 29 Мен улардан: ‘Сизлар ўша худоларга сажда қилиш учун қаерга борасизлар?’ деб сўрадим. Улар менга: ‘Саждагоҳларга* борамиз’, деб жавоб бердилар. Шу сабабдан ўша жойлар бугунги кунгача Бамах* деб аталмоқда.»

Худонинг жазоси ва кечирими

30 Шундай экан, Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: сизлар ҳам, ота–боболарингиз сингари, ўзларингизни булғамоқчимисизлар?! Менга бевафолик қилиб, макруҳ бутларга сиғинмоқчимисизлар?! 31 Сизлар бутларга назрлар келтиряпсизлар. Болаларингизни қурбонлик қилиб, оловда куйдиряпсизлар. Бундай жирканч қилмишлар билан бугунга қадар булғаниб келяпсизлар. Шундай экан, қандай қилиб Мендан маслаҳат сўрашга журъат этдингиз?! Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, сизларга ҳеч қандай маслаҳат бермайман.

32 Сизлар ичингизда: ‘Бошқа халқларга ўхшасак эди, ёғоч ва тошга сиғинадиган эллардай бўлсак эди’, деб ният қиласизлар. Аммо бу ниятингиз

амалга ошмайди. 33 Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, чексиз
қудратим, ажойиботларим ва алангали ғазабим билан сизларга ҳукмронлик
қиламан. 34 Сизлар бегона халқлар орасига тарқалиб кетдингиз, Мен сизларни
ўша юртлардан олиб чиқаман. Қудратим, ажойиботларим ва алангали ғазабим
билан сизларни йиғиб оламан. 35 Сизларни халқлардан узоққа, саҳрога олиб
бораман. У ерда ҳаммангизни юзма–юз ҳукм қиламан. 36 Ота–боболарингизни
Миср саҳросида* қандай ҳукм қилган бўлсам, сизларни ҳам худди шундай ҳукм
қиламан, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 37 — Сизларни чўпоннинг таёғи билан
саралайман, аҳдимга бўйсунишга мажбур қиламан. 38 Менга қарши гуноҳ қилган
исёнкор одамларни орангиздан йўқ қиламан. Сизлар мусофир бўлиб юрган
юртдан ўша исёнкорларни чиқариб юбораман. Аммо Исроил юртига улар
кирмайдилар. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.

39 Эй Исроил халқи, Эгамиз Раббий шундай демоқда: Менга қулоқ солишни
хоҳламасангиз, йўқолинглар! Ҳар бирингиз бутларингизга сиғиниб
юраверинглар! Аммо назрлару бутларингиз билан Мени бадном қила кўрманглар.
40 Зеро, эй Исроил, бутун хонадонинг фақат Менинг муқаддас тоғимда,
Исроилнинг баланд тоғида*, ўша юртда Менга сажда қилади, — деб айтмоқда
Эгамиз Раббий. — Ўша ерда сизларни қабул қиламан. Ҳадялару аъло
инъомларингизни, муқаддас тортиқларингизни келтиришни буюраман. 41 Сизлар
бошқа юртларга тарқалиб кетган бўлсангиз–да, Мен сизларни йиғиб оламан,
халқлар орасидан олиб чиқаман. Хушбўй тутатқининг муаттар ҳидидан мамнун
бўлгандай, сизлардан мамнун бўламан. Барча халқларнинг кўзи олдида Ўз
муқаддаслигимни орангизда намоён қиламан. 42 Ота–боболарингизга онт ичиб
ваъда қилган Исроил юртига сизларни олиб кирганимда, Эгангиз Мен
эканлигимни билиб оласизлар. 43 Шунда сизни булғаган қабиҳ ишларингизни,
тутган йўлларингизни эслаб, ўзингиздан–ўзингиз ҳазар қиласизлар. 44 Мен
сизнинг эгри йўлларингизга, қабиҳ ишларингизга кўра, иш тутмайман. Ўз номим
ҳақи, сизларга яхшилик қиламан. Шунда Эгангиз Мен эканлигимни билиб
оласизлар. Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»”

Жанубдаги ёнғин

45 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 46 “Эй инсон, жанубга юзланиб, Нагавдаги
ўрмонга қарши* башорат қилгин. 47 Жанубдаги бу ўрмонга айт: «Эгамизнинг
сўзини эшит! Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен сенинг ҳар бир дарахтингни,
кўкарганини ҳам, қуриганини ҳам ёндириб йўқ қиламан. Авж олган алангани ҳеч
ким ўчира олмайди. Бу аланга жанубдан шимолгача бўлган ер юзини куйдириб
ташлайди. 48 Бу оловни Мен, Эганг, ёндирганимни бутун дунё кўради. Ҳеч ким уни
ўчира олмайди.»”

49 Шунда мен ёлвориб, дедим: “Ё Эгам Раббий, бу одамлар менга: «Ҳадеб
маталлар билан гапираверасанми?» деб айтишмоқда.”

21–БОБ

Бобил шоҳи Эгамизнинг қиличи тимсолида

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Қуддусга юзлан. Исроил
юртига ва барча саждагоҳларига* қарши башорат қил. 3 Исроил юртига қаратиб
шундай сўзларни айт: «Эгамиз демоқда: Мен Ўзим сенга қарши чиқаман!
Қиличимни* қинидан суғуриб, ҳаммангизни — солиҳларни ҳам, фосиқларни ҳам
йўқ қиламан. 4 Қиличим жанубдан шимолгача бўлган ҳамма жонзотни қириб
ташлайди. 5 Шунда Эгангиз Мен эканлигимни ҳамма билиб олади. Ҳа, Мен

қиличимни қинидан суғураман! Уни қайтариб жойига солмайман.»
6 Эй инсон, сиқилган одамга ўхшаб, чуқур хўрсингин, қайғурганингни ҳамма
кўрсин. 7 Улар сендан: «Нега хўрсиняпсан?» деб сўрашганда, уларга шундай жавоб
бер: «Нохуш бир хабар эшитдим. У амалга ошганда, одамларнинг юраги орқага
тортиб кетади, қўлларида мадор қолмайди, руҳи тушади, иштонлари ҳўл бўлади.
Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мана ўша вақт яқинлашиб қолди! У албатта
амалга ошади.»”
8 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 9 “Эй инсон, башорат қилиб айт: «Раббий
шундай демоқда:

Мана, Мен қиличимни ялтиратиб чархладим.
10 Одамларни қириш учун қайрадим.
Чақмоқ каби чақнаши учун ялтиратиб тозаладим.
Аммо бундан қандай хурсанд бўлайлик?!
Эй ўғлим Яҳудо,
Қиличим салтанат ҳассасини* менсимайди,
Ҳеч қандай таёқни писанд қилмайди*.
11 Мана, қиличим чархланди,
Ишлатиш учун тайёр бўлди.
Ялтиратиб қайралди,
Қотил учун ҳозирланди.»

12 Эй инсон, дод солиб фарёд қил!
Энди кўксингга ур!
Зеро, қилич халқимга қаршидир,
Барча Исроил шаҳзодаларига қаршидир.
Улар қиличдан нобуд бўлади,
Халқ қатори қирилиб кетади.
13 Бу синов пайтидир!
Қилич ҳатто Яҳудонинг салтанат ҳассасини
Менсимаса нима бўлади?!
Салтанатнинг куни битади,
— деб айтмоқда Эгамиз Раббий. —

14 Эй инсон, башорат қил.
Кафтингни кафтингга уравер,
Қилич халқимни қайта–қайта чопаверсин.
Бу қирғин қиличидир,
Қирғин–барот қиличидир.
У халқимни ҳар томондан сиқиб келмоқда!
15 Одамларнинг юраги орқага тортиб кетди,
Улар қўрқувдан қоқила бошлашди.
Мен қиличимни қирғин учун ўрнатдим,
Шаҳарнинг ҳар бир дарвозаси олдига қўйдим.
Эҳ, мана қиличим ялтиратиб тозаланди.
Одамларни қириш учун қинидан чиқарилди.
16 Эй қиличим, ўнгдагиларни чоп!
Сўлдагиларни чоп! Ҳаммани тиғдан ўтказ!
17 Мен ҳам кафтимни кафтимга ураман,
Шунда жаҳлдан тушаман.

Буларни Мен, Эгангиз, айтдим.”

18 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 19 “Эй инсон, харитага икки йўлни тушир.
Бобил шоҳи бу йўллардан юриб, ҳужум қилади. Иккала йўл ҳам бир жойдан
бошлансин. Йўлларнинг айрилган жойига бир белги қўй. 20 Йўллардан бири
Бобил шоҳини Оммон юртининг пойтахти Раббага, иккинчиси Яҳудо юртининг
мустаҳкам шаҳри Қуддусга олиб борсин. 21 Ҳозир Бобил шоҳи йўллар айрилган
жойда туриб, қайси шаҳарга ҳужум қилиш кераклиги ҳақида бош қотиряпти. У
камон ўқларини силкитиб, қуръа ташлаяпти. Бут–санамларга маслаҳат соляпти,
қурбонлик қилинган ҳайвонларнинг жигарига қараб, фол очтиряпти. 22 У ўнг
қўли билан «Қуддус» деб ёзилган ўқни чиқаради. Қуддус атрофига девортешар
қуролларни ўрнаштиради. Лашкарига, ўлдир, дея буйруқ беради, уларни жангга
даъват қилади. Дарвозани бузадиган қуролларни ўрнаштиради, шаҳар деворига
қиялатиб тупроқ уйдиради*, қамал иншоотларини* қурдиради. 23 Қуддус аҳолиси
Бобил шоҳига садоқат қасамини ичгани учун бу уларга сохта башоратдай
туюлади. Аммо Бобил шоҳи уларнинг айбини юзига солади, уларни асир қилиб
олади.
24 Эй Исроил халқи, Мен, Эганг Раббий, сенга айтяпман: сен очиқчасига исён
кўтариб, ўз айбингни ўзинг фош қилдинг. Қилган ҳар бир ишинг билан
гуноҳларингни кўрсатдинг. Шу боис сен асирликка тушасан.
25 Эй бузуқ, фосиқ Исроил ҳукмдори*, сенинг кунинг битди! Охирги
жазоингнинг вақт–соати етди! 26 Мен, Эганг Раббий, сенга айтяпман: бошингдаги
саллангни еч, тожингни олиб ташла. Энди ҳаммаси ўзгаради, хўрланган одам
юксалади, юксалган одам эса хўрланади. 27 Ана вайроналар, вайроналар! Ҳа, Мен
Қуддусни вайрон қиламан. Аммо шаҳарни ҳукм қиладиган одам келмагунча,
булар содир бўлмайди. Мен шаҳарни ўшанинг қўлига бераман.
28 Эй инсон, башорат қилиб айт: «Исроилни мазах қилган Оммон халқи ҳақида
Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй қилич, қилич! Сен қирғин учун қиндан
чиқарилдинг. Одамларни қириш учун чархландинг, чақмоқ каби чақнаш учун
ялтиратиб тозаландинг! 29 Оммон халқи сен ҳақингда ёлғон ваҳийлар кўряпти,
сен тўғрингда бўлмағур фоллар очтиряпти. Сен бу ёвуз фосиқларнинг бошини
чопиб ташлайсан! Уларнинг куни битди, охирги жазосининг вақт–соати етди!
30 Эй Бобил шоҳи, қиличингни қинига сол! Бошқаларни жазолашдан тўхта!*
Энди Мен сени она юртингда, таваллуд топган жойингда ҳукм қиламан.
31 Устингга ғазабимни сочаман, қаҳримнинг оловини сенга уфураман. Сени
шафқатсизларнинг қўлига бераман, ўша моҳир қотилларга топшираман. 32 Сен
оловга ем бўласан, қонинг она юртингда тўкилади. Сен ҳақингдаги хотира абадий
ўчади. Эгамизнинг каломи шудир.»”

22–БОБ

Қуддуснинг жиноятлари

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, қотиллар шаҳрини ҳукм қил.
Унинг жирканч одатларини юзига сол, 3 унга шундай деб айт: «Эгамиз Раббий
демоқда: эй Қуддус, сен ўз кўчаларингда қон тўкиб, бошингга бало орттирдинг.
Бутлар ясаб, ўзингни булғадинг. 4 Тўкилган ўша қон учун сен айбдор бўлдинг,
ясаган бутларинг билан булғандинг. Ҳалокат кунингни яқинлаштирдинг. Ўз
ҳаётингга якун ясадинг! Шу боис халқлар сени мазах қилишларига, юртлар
устингдан кулишларига Мен йўл қўяман. 5 Эй ёмон от чиқарган, ғалаёнга тўла

шаҳар, узоқ–яқиндагилар сени мазах қиладилар.
6 Шаҳардаги Исроил йўлбошчилари ўз мансабидан фойдаланиб, қон
тўкадилар. 7 У ердаги одамлар ота–онасини хор қиладилар, мусофирларни
алдайдилар, етим ва беваларга зулм ўтказадилар. 8 Муқаддас нарсаларимни хор
қилиб, Шаббат кунларимни булғайдилар. 9 Баъзилари одамларни ўлдириш учун
туҳмат қиладилар. Бутхоналарда келтирилган қурбонликлардан тановул
қиладилар, ўзларининг шаҳвоний ҳирсларини қондириш билан овора бўладилар.
10 Бошқалари ўгай оналари билан ётадилар, ҳайз кўрган аёлларни зўрлайдилар.
11 Қўшнининг хотини билан жирканч ишлар қиладилар, келинларини
уятсизларча булғайдилар, туғишган сингилларининг номусига тегадилар.
12 Шаҳардаги баъзи одамлар пул учун одам ўлдирадилар. Берган қарзидан фоиз
ундирадилар, ўзганинг бор–йўғини тортиб олиб, даромад кўрадилар. Эй Қуддус
аҳолиси, Мени унутиб юбордингиз! Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.
13 Ноҳақ фойда кўрганингиз учун, қон тўкканингиз учун Мен ғазаб ичра
кафтимни кафтимга ураман. 14 Адабингизни берган куним мардлигингизни
кўраман, ўшанда Мен билан олишишга қурбингиз етармикан?! Мен, Эгангиз,
айтганларимни амалга ошираман. 15 Мен сизларни халқлар орасига тарқатиб
ташлайман, бошқа юртларга қувиб юбораман, ифлос қилмишларингизга чек
қўяман. 16 Бегона халқлар сизларни хор қилганда, Эгангиз Мен эканлигимни
билиб оласизлар.»”

Эгамизнинг ўчоғи

17 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 18 “Эй инсон, Исроил халқи Мен учун
тошқолдай* қадрсиз бўлиб қолди. Кумуш эритилгандан кейин ўчоқда қотиб
қолган мис, қалай, темир ва қўрғошин қоришмаси кабидир бу халқ. 19 Уларга айт:
«Эгамиз Раббий шундай демоқда: сизлар тошқолдай бўлиб қолганингиз учун Мен
сизларни Қуддусга йиғаман. 20 Кумуш, мис, қалай, темир ва қўрғошин ўчоққа
қандай йиғилса, эритиш учун тагига олов қандай ёқилса, Мен худди шундай
қаҳру ғазаб билан сизларни йиғаман, ҳаммангизни шаҳарда эритиб йўқ қиламан.
21 Ҳа, Мен сизларни Қуддусга йиғиб оламан, ғазабим оловини сизларга сочаман.
Сизлар эриб йўқ бўлиб кетасизлар. 22 Кумуш ўчоқда эригандай, сизлар қаҳрим
ўтида эриб йўқ бўласизлар. Шунда устингизга ғазаб ўтини сочган Эгангиз Мен
эканлигимни билиб оласизлар.»”

Исроил йўлбошчиларининг гуноҳлари

23 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 24 “Эй инсон, Исроил халқига шундай деб
айт: «Сизлар қаҳр кунида покланмаган, устига ёмғир ёғмаган бир юртдирсиз.
25 Юртингиздаги шаҳзодалар* ўкираётган, ўлжасини тилка–пора қилаётган шерга
ўхшайди. Улар одамхўрлик қиладилар, мулку бойликни қўлга киритадилар,
қотилликлар қилиб, беваларнинг сонини кўпайтирадилар. 26 Руҳонийларингиз
қонунимни бузиб, муқаддас нарсаларимни булғадилар. Муқаддас билан оддий
нарсанинг фарқига бормадилар. Одамларга нима ҳарому нима ҳалол эканини
ўргатмадилар, Шаббат кунларига риоя қилмадилар, хуллас, халқим орасида Мени
беобрў қилдилар. 27 Юртингиздаги йўлбошчилар ўлжасини тилка–пора қилаётган
бўрига ўхшайдилар. Улар бойлик орттириш учун қон тўкадилар, одамларнинг
жонини оладилар. 28 Пайғамбарларингиз эса деворни оқлаган мардикорлар каби,
бу гуноҳларни яшириб, устидан оқлайдилар. Ёлғон ваҳийлар кўриб, сохта
башоратлар айтадилар. Мен уларга гапирмасам ҳам, ‘Эгамиз Раббий шундай
демоқда’ деб гапирадилар. 29 Юртингиздаги одамлар қаллоблигу ўғрилик
қиладилар, камбағалу ночорни эзадилар, мусофирнинг бор–йўғини тортиб

оладилар, ҳақини талаб қилишга йўл қўймайдилар.
30 Деворни қайта қурадиган, деворнинг ўпирилиб тушган жойида туриб,
юртни ҳимоя қиладиган бирорта одам бормикан, дея сизларнинг орангиздан
изладим. Аммо юртни қаҳримдан сақлаб қоладиган бундай одамни топа олмадим.
31 Шунинг учун Мен сизларга қаҳримни сочаман, ҳаммангизни ғазабим оловида
йўқ қиламан. Қилган қилмишларингизга яраша жазоингизни бераман. Эгамиз
Раббийнинг каломи шудир.»”

23–БОБ

Фоҳиша опа–сингиллар: Самария ва Қуддус

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, бир онадан туғилган икки
опа–сингил бор эди. 3 Улар Мисрда фоҳишалик қилардилар. Ёшлигидан фаҳш
йўлига киргандилар. Қизлик кўкраги у ерда силанди, эмчаклари сийпаланди.
4 Каттасининг исми Охола, кичкинасининг исми Охолибо эди. Мен икковини ҳам
Ўз никоҳимга олган эдим, улар Менга ўғил–қизлар туғиб беришди. Охола
Самарияни, Охолибо Қуддусни билдиради*.
5 Охола Менинг никоҳимда бўла туриб, фоҳишалик қилар эди. У ўйнашлари
бўлган Оссуриялик жангчиларга ҳирс қўйган эди. 6 Уларнинг ҳаммаси келишган
йигитлар, зангори либос кийган, от минган ҳокиму лашкарбошилар эди. 7 Охола
Оссуриянинг ҳамма сара эркаклари билан фоҳишалик қилар эди. Ҳирс қўйган ҳар
бир эркакнинг бутларига сиғиниб, ўзини булғаб юрарди. 8 У Мисрда қилган
фоҳишаликларини ташламади. Ёшлигида эркаклар у билан ётишган эди, қизлик
кўкрагини силаб, шаҳватини қондиришган эди. 9 Шу сабабдан Мен уни
ўйнашларининг қўлига топшириб қўйдим. У ҳирс қўйган ўша Оссурияликларнинг
қўлига бердим. 10 Улар Охолани қип–яланғоч қилдилар, уни ўлдирдилар.
Ўғил–қизларини ўзларига қул қилиб олдилар. Жазосини тортган Охола
аёлларнинг оғзидан тушмай қолди.
11 Синглиси Охолибо буларни кўрди. Шундай бўлса–да, суюқоёқлиги ва
фоҳишалиги билан опасидан ўтиб тушди. 12 У ҳам ўша Оссуриялик ҳокиму
лашкарбошиларга, қурол–аслаҳалар таққан отлиқ хушбичим жангчиларга ҳирс
қўйди. 13 Мен Охолибонинг булғанганини кўрдим, опаси билан бир йўлни
танлаганини билдим. 14 У борган сари фоҳишаликка берилиб кетар эди. Бир куни
у Бобилликларнинг* деворга туширилган расмларини кўриб қолди. Улар қизил
рангга бўялган эди. 15 Белларида камар, бошларида кўркам салла билан
тасвирланган эдилар. Улар Халдей* юртида туғилган Бобил отлиқ
саркардаларига ўхшар эдилар. 16 Охолибо ўша расмларни кўрди–ю, шаҳват унинг
қонини қиздира бошлади. У Бобилга чопарлар жўнатиб, Бобилликларни ўз
ҳузурига чорлади. 17 Бобилликлар унинг олдига кирдилар, ишқ тўшагига у билан
ётдилар, ўз ҳирси билан уни булғадилар. Охолибо булғангандан кейин
Бобилликлардан жирканиб кетди, улардан юзини ўгирди. 18 У фоҳишаликка
берилиб, яланғоч баданини ҳаммага кўз–кўз қилганда, Мен ундан жирканиб
кетдим, опасидан юз ўгирганимдай ундан ҳам юзимни ўгирдим. 19 У эса ёшлик
даврини, Мисрда қилган беҳаёлигини эслаб, янада кўп фоҳишалик қилаверди.
20 Жинсий аъзолари эшакларникидай, манийлари айғирларникидай бўлган
ўйнашларига ҳирс қўйди. 21 Ёшлигида қилган беҳаёликларини қайтармоқчи
бўлди. Ўша пайтларда Мисрликлар эмчакларини сийпалаган эдилар, қизлик
кўкракларини силаган эдилар.

Қуддус тимсолидаги Охолибони Худо жазолайди

22 Шунинг учун, Охолибога айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: сен ўша
ўйнашларингдан жирканиб, улардан юзингни ўгиргансан, аммо Мен ўшаларни
сенга қарши қўзғатаман. Улар ҳар томондан келиб, сенга ҳамла қиладилар. 23 Мен
Бобилликларни, Пахўд, Шўва ва Қўвадан келган ҳамма Халдейларни*, жамики
Оссурияликларни бошлаб келаман. От минган ўша хушбичим ёш аслзодаларни,
ҳокиму лашкарбошиларни, саркардаю зодагонларни йиғиб келаман. 24 Улар
қуролланадилар, сенга қарши жанг аравалари, юк аравалари ва талай лашкарни
тортиб келадилар. Бошига дубулға кийган, қўлига қалқон ва сипар тутган
жангчилар сени қуршовга оладилар. Ҳукм қилишлари учун Мен сени уларнинг
қўлига топшираман. Улар сени ўз қонунларига мувофиқ ҳукм қиладилар. 25 Мен
устингга қаҳримни ёғдираман, лашкарлар сени шафқатсизларча жазолайдилар.
Улар бурнинг ва қулоқларингни кесиб ташлайдилар, омон қолган ҳар бир одамни
қиличдан ўтказадилар. Ўғил–қизларингни асир қилиб оладилар, омон
қолганларни ёндириб юборадилар. 26 Устингдаги кийимларни ечиб оладилар,
қимматбаҳо тақинчоқларингни олиб кетадилар. 27 Сен Мисрда бошлаган
фоҳишалигу суюқоёқлигингга Мен шу йўсин чек қўяман. Буларга бўлган
иштиёқинг йўқолади, сен Мисрни унутиб юборасан.
28 Зеро, сени ўзинг нафратланган, жирканиб, юзингни ўгирган одамларнинг
қўлига топшираман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 29 — Улар нафрат билан сени
жазолайдилар, топган–тутганингни тортиб оладилар. Сени яланғоч, ҳеч вақосиз
ташлаб кетадилар. Фоҳишалигинг очилади, шарманда бўласан. Суюқоёқлигинг,
фоҳишалигинг 30 туфайли шу аҳволга тушасан. Сен бошқа халқлар билан
фоҳишалик қилдинг, уларнинг бутлари билан булғандинг. 31 Сен опангнинг
йўлидан кетдинг, шунинг учун Мен опангга ичирган жазо косасидан* сенга ҳам
ичираман. 32 Ҳа, Мен, Эганг Раббий, айтаманки:

Сен ҳам опангнинг косасидан ичасан,
У коса катта ва чуқурдир.
Сени мазах қилишади, устингдан кулишади,
У коса лиммо–лим тўладир.
33 Сен қайғуга ботиб маст бўласан.
Ҳа, бу даҳшату вайроналик косасидир,
Опанг Самариянинг косасидир.
34 Сен косани охиригача ичасан,
Уни чил–чил синдирасан.
Кўксингни юлиб, фарёд қиласан.
Буларни Мен, Эганг Раббий, айтдим.

35 Эгамиз Раббий шундай демоқда: сен Мени унутиб, Менга орқа ўгирганинг
учун, фоҳиша ва суюқоёқ бўлганинг учун жазо тортасан.»”

Икки опа–сингил тимсолидаги Самария ва Қуддусни Худо жазолайди

36 Эгамиз менга деди: “Эй инсон, сен Охола ва Охолибони ҳукм қилишга
тайёрмисан? Тайёр бўлсанг, уларнинг жирканч одатларини юзларига сол. 37 Ахир,
улар зино қилдилар, қонли жиноятларга қўл урдилар. Бутлари билан зино қилиб,
Мендан кўрган болаларини ўша бутларга таом назри сифатида қурбонлик қилиб,
оловда куйдирдилар*. 38 Бундан ташқари, ўша вақтнинг ўзидаёқ муқаддас
масканимни ҳаром қилдилар, Менинг Шаббат кунларимни булғадилар.
39 Болаларини бутларга атаб сўйган куни муқаддас масканимга кириб, уйимни

ҳаром қилдилар!
40 Улар узоқ юртларга чопарлар жўнатиб, эркакларни ўз ҳузурига чорладилар.
Улар етиб келганларида, бу опа–сингиллар ювиниб–тарандилар, кўзларига сурма
сурдилар, тақинчоқлар билан безаниб олдилар. 41 Дастурхон тузалган серҳашам
супага ўтирдилар. Ўша дастурхон устига Менинг хушбўй тутатқимни ва мойимни
қўйдилар. 42 Хоналаридан айш–ишрат қилаётган эркакларнинг овози келар эди.
Саҳродан келган бу майхўр қаланғи–қасанғилар* опа–сингилларнинг қўлларига
билагузуклар тақдилар, бошларига чиройли тожлар кийдирдилар.
43 Шунда мен: «Бу аёллар фоҳишалик қилавериб, ҳолдан тойганлар. Наҳотки
келганлар уларнинг бу аҳволини кўра туриб, улар билан жинсий алоқа
қилишса?!» деб ўйладим ичимда. 44 Келган эркаклар бу суюқоёқлар билан бирга
бўлишди. Улар, фоҳишанинг олдига киргандай, қайта–қайта Охола ва
Охолибонинг олдига кираверишди. 45 Солиҳ одамлар эса бу икки опа–сингилни
зинокорлик ва қотилликда айблайдилар, чунки опа–сингиллар зинога ружу
қўйиб, қўлларини қонга беладилар.
46 Охола ва Охолибога айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: сизларга қарши
бир оломонни йиғиб келаман. Улар сизларни азоблаб, бор–йўғингизни тортиб
оладилар. 47 Сизларни тошбўрон қилиб, таналарингизни нимталаб ташлайдилар,
ўғил–қизларингизни ўлдирадилар, уйларингизга ўт қўядилар. 48 Шу йўсин Мен
юртдаги бу беҳаёликка чек қўяман. Буни кўрган бошқа аёллар ўзлари учун сабоқ
оладилар, бундай беҳаёликни бошқа қилмайдиган бўладилар. 49 Сизлар ўз
беҳаёлигингиз туфайли жабр тортасизлар, гуноҳкор бутпарастлигингизнинг
жазосини оласизлар. Ўшанда Эгангиз Раббий Мен эканлигимни биласизлар.»”

24–БОБ

Ифлос қозон

1 Сургун бўлган пайтимизнинг тўққизинчи йили ўнинчи ойининг* ўнинчи
кунида Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, бу куннинг санасини ёзиб
қўй, чунки Бобил шоҳи бугун Қуддусни қамал қилди*. 3 Бу исёнкор халқимга
матал сўзлаб айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: ўчоққа ўт ёқинг, қозонга сув
қуйинг. 4 Қозон ичига энг яхши гўштлардан — сон ва елка гўштларидан солинг,
иликли суяклар билан қозонни тўлдиринг. 5 Сурувнинг сара қўчқоридан сўйинг,
ўчоққа кўпроқ ўтин* йиғинг, қозондаги сувни қайнатинг, гўшту суякларни обдан
пиширинг.
6 Эгамиз Раббий шундай деб айтмоқда: қотиллар шаҳри Қуддуснинг ҳолига
вой! Бу шаҳар қасмоқли қозон кабидир, унинг қасмоғи кетмайдиган бўлиб
қолган. Қани, қозонни бир чеккадан бўшатинг, қўлингизга нима илинса, олиб
кетаверинг. 7 Шаҳар ичида қотиллик қилинди, одамларнинг қони қоятошга
тўкилди. Ўша қон ерга тўкилганда эди, тупроқ билан кўмилиб кетарди. 8 Мен
қонни ўша қоя устида қолдирдим, уни яшириб бўлмайди. Мен уни кўрганимда
ғазабим аланга олади, у Мени қотиллардан қасос олишга ундайди.
9 Шунинг учун Эгамиз Раббий айтмоқда: қотиллар шаҳри Қуддуснинг ҳолига
вой! Мен Ўзим ўтинни баланд қилиб уяман. 10 Қани, кўпроқ шох–шаббаларни
йиғайин, катта олов ёқайин! Гўшт обдан пишсин, шўрваси қайнаб йўқ бўлсин*.
Суяклар эса оловда ёниб куйиб кетсин. 11 Қозонни бўшатайин, кўмир устига
қўяйин! Темир қозонни қизаргунча қиздирайин. Ичидаги ифлосликлари эриб
кетсин, қасмоқлари оловда куйиб, йўқ бўлсин. 12 Эҳ, Ўзимни беҳуда
уринтирибман. Қозоннинг қалин қасмоғи кетмади. Уни қасмоғи билан оловга

ташланглар!
13 Эй Қуддус, сен беҳаёлигинг билан ўзингни булғадинг. Мен сени тозалаб
кўрдим, аммо сен ҳаромлигингча қолдинг. Энди устингга Ўз қаҳримни
сочмагунимча сен покланмайсан. 14 Мен, Эганг, шундай дедим. Айтганларимни
амалга оширадиган вақт келди. Энди Ўзимни тутиб турмайман. Сенга
ачинмайман, Ўз шахтимдан қайтмайман. Тутган йўлларингга, қилган
қилмишларингга яраша сени жазолайман. Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»”

Ҳизқиёлнинг хотини оламдан ўтади

15 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 16 “Эй инсон, Мен ўлат юбориб, сени
кўзинг қувончидан жудо қиламан. Аммо сен аза тутма, фарёд қилма, кўз ёш тўкма.
17 Инграган товуш чиқарма, ўлган азиз одаминг учун мотам тутма. Саллангни
ечма, оёқ яланг юрма. Юзингни ёпма, таъзияхоналарда ейиладиган овқатдан
ема.” 18 Эрталаб мен халойиққа гапирдим. Ўша куни кечқурун эса менинг хотиним
оламдан ўтди. Эртаси куни мен Худонинг айтганини қилдим.
19 Одамлар мендан:
— Нимага бундай қиляпсан? Бу билан бизга бирон нарса айтмоқчимисан? —
деб сўрадилар.
20 Мен уларга шундай жавоб бердим:
— Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилиб, 21 Исроил халқига шу гапларни айтиб
қўйишимни буюрди: “Эгамиз Раббий шундай демоқда: фахрланадиган
қўрғонингиз, кўзингиз қувончи, юрагингиз орзуси бўлмиш муқаддас масканимни
Мен ҳаром қилдираман. Қуддусда қолган ўғил–қизларингиз қиличдан ҳалок
бўлади. 22 Шунда Ҳизқиёл нима қилган бўлса, сизлар ҳам шуни қиласизлар.
Сизлар юзингизни ёпмайсизлар, таъзияхоналарда ейиладиган овқатдан
емайсизлар, 23 саллангизни ечмайсизлар, оёқ яланг юрмайсизлар, аза
тутмайсизлар, фарёд қилмайсизлар. Гуноҳларингиз сизларни адойи тамом
қилади, дардингизни бир–бирингизга инграб айтасизлар. 24 Ҳизқиёл сизлар учун
бир аломат бўлади, у ҳозир нима қилаётган бўлса, сизлар ҳам шуни қиласизлар.
Ўша вақт келганда бу ишларни Мен, Эгангиз Раббий, қилганимни билиб
оласизлар.”
25 Эгамиз менга шундай деди: “Эй инсон, Мен халқимнинг қўрғонини, завқу
шуҳратини, кўз қувончи, юрак орзуси бўлмиш Маъбадни вайрон қилган куним
ўғил–қизларини ҳам қирдириб ташлайман. 26 Қирғиндан қочиб қутулган бир
одам ўша куни ёнингга келади. У бўлиб ўтган воқеаларни сенга сўзлаб беради.
27 Шунда сен яна тилга кирасан*. Келган ўша одам билан гаплашасан, бошқа сукут
сақламайсан. Хуллас, халқим учун бир аломат бўласан, шунда Эгангиз Мен
эканлигимни улар билиб оладилар.”

25–БОБ

Оммон халқи ҳақида башорат

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Оммон* халқига юзлан, уларга
қарши башорат қил. 3 Оммон халқига айт: «Эгамиз Раббийнинг сўзларини
эшитинг! Эгамиз Раббий шундай демоқда: муқаддас масканим ҳаром қилинганда,
Исроил юрти хароб бўлганда, Яҳудо халқи сургун қилинганда, сизлар: ‘Аҳа!’ дея
хурсанд бўлган эдингизлар. 4 Шунинг учун Мен сизларни шарқдаги кўчманчилар
қўлига топшираман. Улар юртингизда қароргоҳлар қуриб, чодирларини
тикадилар, ҳосилингизни еб, сутингизни ичадилар. 5 Мен пойтахтингиз Раббани
туялар учун даштга айлантираман. Бутун юртингизни қўйлар учун қўра қиламан.

Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.
6 Эгамиз Раббий шундай деб айтмоқда: сизлар юрагингиздаги бутун ғараз
билан Исроилнинг бахтсизлигидан севиндингизлар, чапак чалиб, сакраб
ўйнадингизлар. 7 Шу қилганингиз учун Мен қўлимни сизларга қарши кўтараман.
Сизларни бошқа халқларга ўлжа қилиб бераман. Халқлар орасидан сизларни йўқ
қилиб, юртингизни ер юзидан супуриб ташлайман. Ўшанда Эгангиз Мен
эканлигимни билиб оласизлар.»”

Мўаб халқи ҳақида башорат

8 Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Мўаб* халқи*: «Яҳудо халқининг бошқа
халқлардан ҳеч қандай фарқи йўқ», деб айтгани учун, 9 Мен Мўабнинг ғарбий
қанотини очиб ташлайман, юртнинг гавҳарлари Байт–Яшимўт, Баал–Миён,
Хиратайим шаҳарларини вайрон қиламан. 10 Мўабни Оммон халқи сингари,
шарқдаги кўчманчиларнинг қўлига бераман. Оммон халқи ер юзидан йўқ бўлиб
кетади, 11 Мен Мўаб халқини ҳам жазолайман. Шунда улар Эгаси Мен
эканлигимни билиб оладилар.”

Эдом халқи ҳақида башорат

12 Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Эдом* халқи Яҳудодан ўч олиб, катта гуноҳ
қилди. 13 Шу сабабдан Мен уларга қарши қўлимни кўтариб, Эдом юртини вайрон
қиламан, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Одаму ҳайвонларини қириб
ташлайман. Темон шаҳридан тортиб, то Дедон шаҳригача* бўлган ҳаммани
қиличдан ўтказаман. 14 Халқим Исроил орқали Эдомдан қасос оламан. Улар
орқали қаҳру ғазабимни Эдомликлар устига сочаман. Шунда Эдом халқи қасосим
нима эканлигини билиб олади.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

Филистлар ҳақида башорат

15 Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Асрлар давомида Филистлар* адоват
қилиб, халқимдан ўч олдилар. Халқимни хонавайрон қилиш мақсадида,
юракларидаги ғаразга берилиб, улардан қасос олдилар. 16 Шу сабабдан Мен
Филист юртига қарши қўлимни кўтараман, Харет халқини* йўқ қиламан, соҳилда
қолганларнинг ҳаммасини қириб юбораман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 17 —
Мен улардан даҳшатли қасос оламан, ғазабим устида уларни жазолайман. Ўшанда
Эгаси Мен эканлигимни билиб оладилар.”

26–БОБ

Тир шаҳри ҳақида башорат

1 Сургун бўлган пайтимизнинг ўн биринчи йили*, ойнинг биринчи кунида
Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, мана, Тир* Қуддус ҳақида шундай
деб айтмоқда: «Аҳа! Халқларнинг савдо дарвозаси бузилди. Менга кенг йўл
очилди. Энди у вайрон бўлганда, мен бойиб кетаман.»
3 Шунинг учун Тирга айт: «Эгамиз Раббий демоқда: Мен сенга қаршиман! Мен
кўплаб халқларни сенга қарши йиғаман, улар денгиз тўлқинлари каби сенга
ёпириладилар. 4 Шаҳрингнинг деворларини бузиб, мораларингни қулатадилар.
Мен тупроғингни супуриб ташлайман, сени яланғоч бир тошлоқ ҳолига
келтираман. 5 Денгиз ўртасидаги бу оролда* балиқчилар тўрларини ёйиб
қуритадиган бўладилар. Ахир, буларни Мен айтдим. Шаҳринг халқларга ўлжа
бўлади. 6 Сенга қарашли соҳилдаги ҳамма қишлоқлар аҳли қиличдан ўтказилади.
Ўшанда Эганг Мен эканлигимни сен билиб оласан.
7 Эгамиз Раббий демоқда: сенга қарши энг буюк шоҳни — Бобил юртининг

ҳукмдори Навухадназарни қўзғатаман. У сенинг устингга шимолдан отлару жанг араваларини, суворилару катта лашкарни тортиб келади. 8 Бобил шоҳи сенга қарашли барча қишлоқларингни қиличдан ўтказади. Шаҳар атрофига қамал иншоотларини* қурдиради, шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдиради*, сенга қарши қалқонларини ўрнатади. 9 Девортешар қуроллар билан деворларингга зарба беради. Болталар билан миноралaрингни бузади. 10 Деворидан тешик очилган шаҳарга одамлар бостириб киргандай, Бобил шоҳи сенинг дарвозаларингдан бостириб киради. Суворилариниг, ғилдирагу жанг араваларининг шовқинидан деворларинг титрайди. Сон–саноқсиз отларининг кўтарган чанги сени қоплаб олади. 11 Отларининг туёқлари ҳамма кўчаларингни топтайди. Одамларинг қиличдан йиқилади, улкан устунларинг ер билан яксон бўлади. 12 Душман бойликларингни талаб кетади, молларингни ўлжа қилиб олади. Деворларингни йиқитади, ҳашаматли уйларингни вайрон қилади, тошлари, ёғочлари, ҳатто тупроғини ҳам денгизга улоқтиради. 13 Мен қўшиқларингга чек қўяман. Арфангнинг наволари ҳам эшитилмайдиган бўлади. 14 Мен сени яланғоч бир тошлоққа айлантираман, балиқчилар тўрларини қуритадиган бир ер бўласан. Ҳеч ким шаҳрингни қайта қурмайди. Ахир, буларни Мен айтдим. Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»

15 Яна Тирга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: шаҳрингда қирғин бўлганда, ярадорлар ингранганда, қулашингнинг шовқинидан соҳилдаги барча халқларни титроқ босади. 16 Денгиз бўйидаги салтанатларнинг шоҳлари тахтларидан тушиб, зар чопону нақш солинган либосларини ечишади. Улар ваҳимага бурканиб, ерга ўтиришади. Бошингга келган кулфатдан даҳшатга тушиб, тўхтовсиз титрашади. 17 Улар сен ҳақингда шундай марсия куйлашади:

‘Эй донг таратган денгизчилар шаҳри,
Нақадар вайрон бўлиб кетдинг–а!
Сен ва сенинг аҳолинг денгиз қудрати эдингиз,
Соҳилдаги барча халқларни даҳшатга солар эдингиз.
18 Сен қулаган кунинг соҳилларни титроқ босди,
Ҳалокатингдан денгиздаги ороллар саросимага тушди.’

19 Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Тир, Мен сени ҳувиллаган харобазорга айлантираман. Денгиз тубидаги улкан сувлар билан вайроналарингни қоплайман. 20 Сени гўрга*, қадимда ўтиб кетган одамлар олдига тушираман. Сен ер ости салтанатида яшайсан, абадий вайроналар орасидаги марҳумларга ҳамроҳ бўласан. Тириклар дунёсига ҳеч қачон қайтиб келмайсан, обод бўлиб илгариги мавқеингга эришмайсан. 21 Ҳа, Мен бошингга даҳшатли ўлим келтираман, сени йўқ қиламан. Сени қидирганлар ҳеч қачон топа олмайдилар. Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»”

27–БОБ

Тир шаҳри ҳақида марсия

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Тир* ҳақида бир марсия куйла. 3 Денгиз бўйидаги юртлар билан савдо–сотиқ қиладиган, денгиз дарвозасида ўрнашган Тир шаҳрига айт:

«Эгамиз Раббий шундай демоқда:
Эй Тир, сен: ‘Гўзалликда баркамолман’, дединг.

4 Ҳа, сенинг чегараларинг денгиз бағридан ўтган,
Қурувчиларинг гўзаллигингни баркамол қилган.
5 Хермон тоғидаги* арча ёғочидан қурилган
Улкан бир кемадай эдинг сен.
Қурувчиларинг мачтангни ясаш учун
Лубнондан келтирилган садр ёғочини* ишлатдилар.
6 Эшкакларингни Башан эманларидан ясадилар.
Кема саҳнини Кипр* қарағайларидан қилдилар,
Фил суяги билан уни безатдилар.
7 Елканларинг Мисрдан келтирилган нақшли матолардан эди,
Улар сенга байроқ бўлиб хизмат қиларди.
Элишох қирғоқларидан олиб келинган
Кўк ва сафсар газламалар соябонинг эди.
8 Сидон ва Арвод* одамлари эшкакларингни эшар эди,
Ўз моҳир одамларинг эса кемаларингни бошқарар эди.
9 Габоллик* тажрибали кемасозларинг бор эди,
Улар кемангнинг ёриқларини сақичларди.
Барча кемалару денгизчилар келиб,
Сенинг молларингни сотиб олишар эди.
10 Форс, Лидия ва Ливия* юртларининг аскарлари
Сафларингда хизмат қилар эди.
Қалқону дубулғаларини деворларингга осиб,
Сени салобатли қилишар эди.
11 Арвод ва Хелекдан* келган одамлар
Деворларингда соқчилик қилишарди,
Гамадликлар минораларингни қўриқлашарди.
Деворларингга қуролларини осиб,
Гўзаллигингни баркамол қилишарди.

12 Сенинг бойликларинг шу қадар кўп эдики, ҳатто Таршиш* аҳолиси сен билан савдо–сотиқ қиларди. Улар кумуш, темир, қалай ва қўрғошинни молларингга айирбошлашарди. 13 Юнонлар*, Тувал ва Мешех* халқлари сен билан савдо–сотиқ қилар эди. Молларинг эвазига қулларни ва бронза буюмларни беришар эди. 14 Тўхармоликлар* аравага қўшиладиган отларни, жанг отларию хачирларини молларингга алмаштиришарди. 15 Рўдон* халқи сен билан савдо–сотиқ қилар эди. Денгиз соҳилидаги кўп юртлар сенинг харидорларинг эди. Улар фил суяги ва обнус ёғочини* сенга тўлов сифатида беришарди.

16 Молларинг беҳисоб бўлгани учун Орам* халқи ҳам сен билан савдо–сотиқ қиларди. Молларинг эвазига қимматбаҳо фируза тошларни, сафсар матоларни, нақш солинган газламаларни, майин зиғир матоларини, маржону ёқутларни олиб келарди. 17 Яҳудо ва Исроил юртлари сен билан олди–сотди қилишарди. Улар молларинг эвазига Миннитдан келтирилган буғдойни, шунингдек, ширинликлар, асал, зайтун мойи ва мумиё олиб келишарди. 18 Сенинг чексиз бойликларинг, турли хил молларинг туфайли, Дамашқ аҳолиси сен билан савдо–сотиқ қиларди. Молларинг эвазига улар Хелбон* шаробини ва оппоқ юнгни* олиб келишарди. 19 Узол шаҳридан шароб келтириб*, сен билан олди–сотди қилишарди. Ишлов берилган тоза темирни, долчин ва хушбўй қамишни молларингга алмаштиришарди.

20 Дедонликлар* сенга от терлигини* сотишар эди. 21 Қўзичоқ, қўчқор ва

эчкилар билан сени таъминлаган Арабистон ва Кедар* шаҳзодалари
молларингни харид қилишарди. 22 Шава ва Рамо* савдогарлари сен билан
савдо–сотиқ қилишарди. Молларинг эвазига энг аъло зираворларни, қимматбаҳо
тошлару олтинни беришарди. 23 Хорон, Ханнох ва Эден шаҳарлари ҳамда Шава,
Ошур ва Хилмад* савдогарлари сен билан савдо–сотиқ қилишарди. 24 Улар
қимматбаҳо либослар, кўк матолар, нақш солинган кўйлаклар, ранг–баранг
гиламлар, пухта эшилган арқонларни сенга сотишарди. 25 Таршиш* кемалари
карвонларинг бўлиб хизмат қиларди.

Сен денгизда сузган бир кемадайдирсан,
Оғир юк сенга юкланган.
26 Эвоҳ, эшкакчиларинг сени очиқ денгизга олиб чиқишади.
Шарқ шамоли сени денгиз бағрида парчалаб юборади.
27 Кеманг ҳалокатга учраган куни
Молларинг, бойликларинг,
Денгизчиларинг, дарғаларинг,
Кемасозларинг, савдогарларинг,
Жангчиларинг ва кемадаги одамларинг
Денгиз тубига чўкиб, ҳалок бўладилар.
28 Чўкаётган дарғаларинг фарёд қилади,
Додлари соҳилларни ларзага солади.

29 Ҳамма эшкакчилар кемаларини тарк этади,
Денгизчилару дарғалар соҳилга чиқиб олади.
30 Улар сен учун фарёд қилади,
Аччиқ–аччиқ кўз ёшлар тўкади.
Бошларидан тупроқ сочади,
Кулга беланиб, ётиб олади.
31 Сени деб сочларини қирдиради,
Қанорга ўраниб олади*,
Қайғудан юрак–бағри қон бўлади.
32 Улар йиғлаб, сен ҳақингда марсия куйлайди:
‘Тир каби биронта шаҳар борми?!
Денгиз уни ўз қаърига тортиб кетди.’

33 Сен денгиз ортидан келтирган молларинг билан,
Кўплаб халқларнинг эҳтиёжини қондирдинг.
Чексиз зийнатлару молларинг билан
Дунё шоҳларини сен бойитдинг.
34 Энди эса денгиз сени парчалади,
Ўз домига сени тортиб кетди.
Барча молларингу денгизчиларинг
Сен билан бирга нобуд бўлди.
35 Соҳилдаги халқлар кулфатингни кўриб, даҳшатга тушади.
Қўрқувдан шоҳларнинг афти буришиб кетади.
36 Аҳволингдан дунё савдогарлари ёқасини ушлайди.
Ҳа, сенинг бошингга даҳшатли ўлим келди,
Сен абадий йўқ бўласан.»”

28–БОБ

Тир шоҳи ҳақида башорат

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Тир* шоҳига айт: «Эгамиз
Раббий шундай демоқда: сен мағрурланиб кетдинг. ‘Мен худоман, денгиз
бағридаги худолар тахтида ўтирибман’, деб айтдинг. Сен ўзингни худодай доно
деб биласан, ахир, сен худо эмас, инсонсан–ку! 3 Наҳотки Дониёрдан* ҳам доно
бўлсанг?! Наҳот барча сирларни билсанг?! 4 Сен донолигинг ва ақлинг билан
ўзингга давлат орттирдинг, хазиналарингни олтину кумушга тўлдирдинг.
5 Савдо–сотиқдаги иқтидоринг билан кўп давлат йиғдинг. Аммо бойлигинг
туфайли мағрурланиб кетдинг.
6 Эгамиз Раббий шундай демоқда: сен ўзингни худодай доно деб билганинг
учун, 7 Мен устингга бегона халқни тортиб келаман. Улар ўтакетган ёвуз халқдир.
Улар гўзаллигинг ва донолигингга қарши чиқиб, қилич яланғочлайдилар.
Ҳашаматингни оёқ ости қиладилар. 8 Ўзингни эса тубсиз чуқурликка
улоқтирадилар. Ҳа, сен денгиз бағрида азобланиб жон берасан. 9 Шунда,
жаллодларинг олдида ‘мен худоман’, деб айтармикансан?! Ахир, қотилларинг
қўлида сен худо эмас, оддий бир инсон бўласан! 10 Сен мусофирлар қўлида
суннатсизлар каби ўласан. Буларни Мен айтдим. Эгамиз Раббийнинг каломи
шудир.»”

Тир шоҳи ҳақида марсия

11 Эгамиз менга яна шундай деди: 12 “Эй инсон, Тир шоҳи ҳақида марсия айт:
«Эгамиз Раббий шундай демоқда:

Эй Тир шоҳи, сен баркамолликнинг аъло намунаси бўлдинг.
Ниҳоятда доно, гўзалликда баркамол эдинг.
13 Сен Худонинг боғи Аданда яшар эдинг.
Қизил ёқут, хризолит, олмос,
Топаз, ақиқ, яшма,
Зангори ёқут, фируза ва зумрад* каби
Қимматбаҳо тошлар билан безанар эдинг.
Тақинчоқларинг олтиндан ясалган эди.
Сен яралган кунинг булар тайёрланганди.
14 Мен сени соқчи каруб қилиб танладим,
Ўша мартабага сени тайинладим.
Сен Худонинг тоғида яшар эдинг,
Оловдай товланган тошлар орасида юрар эдинг.
15 Бино бўлганингдан то қабиҳлик қилгунингга қадар,
Сен тўғри йўлдан юрдинг.
16 Катта тижоратинг туфайли,
Ёвузликка тўлиб, гуноҳ қилдинг.
Мен сени шармандаларча Худонинг тоғидан ҳайдадим.
Эй соқчи каруб, Мен сени чиқариб юбордим,
Оловдай товланган тошлар орасидан ҳайдадим.
17 Сен гўзаллигинг туфайли мағрурланиб кетган эдинг.
Савлатинг туфайли ақл–фаросатдан воз кечган эдинг.
Шунинг учун Мен сени ерга улоқтирдим,
Шоҳлар олдида шармандангни чиқардим.
18 Сен чексиз гуноҳларинг билан,

Савдо–сотиқдаги ноҳақликларинг билан,
Ўз саждагоҳларингни булғадинг.
Шунинг учун Мен ичингдан олов чиқардим,
Сени куйдириб ташладим.
Одамларнинг кўзи олдида кулингни кўкка совурдим.
19 Сени билган халқлар аҳволингни кўриб, донг қотдилар.
Сенинг бошингга даҳшатли ўлим келди,
Сен абадий йўқ бўласан.»”

Сидон шаҳри ҳақида башорат

20 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 21 “Эй инсон, Сидон* шаҳрига юзлан, унга қарши башорат қилиб айт: 22 «Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Сидон, Мен сенга қаршиман! Сени жазолаб, сен орқали муқаддаслигимни аён қиламан, шу тариқа орангда Ўзимни улуғлайман. Ўшанда Эганг Мен эканлигимни билиб оласан. 23 Мен сени даҳшатли ўлатга гирифтор қиламан. Кўчаларингда қон дарё бўлиб оқади. Душманларинг сенга ҳар томондан ҳамла қилади, одамларнинг жасадлари шаҳар ичида ётади. Ўшанда Эганг Мен эканлигимни билиб оласан.»”

Келажакда Исроил оладиган баракалар

24-25 Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Исроил халқидан ҳазар қилиб, зулм ўтказган биронта қўшни халқ бундан буён Исроил халқи учун тикан ва янтоқдай бўлмайди. Исроил халқи Эгаси Раббий Мен эканлигимни билиб олади. Мен тарқатиб юборган халқим Исроилни узоқ юртлардан Ўзим йиғиб оламан. Улар орқали барча халқларга муқаддаслигимни аён қиламан. Мен қулим Ёқубга мулк қилиб берган ерда уларни ўрнаштираман. 26 Улар осойишта ҳаёт кечирадилар. Уйлар қуриб, узумзорлар барпо қиладилар. Улардан ҳазар қилган қўшни халқларни жазолаганим учун халқим бехатар, тинч яшайди. Ўшанда Эгаси Худо Мен эканлигимни билиб олади.”

29–БОБ

Миср ҳақида башорат

1 Сургун бўлган пайтимизнинг ўнинчи йили ўнинчи ойининг* ўн иккинчи кунида Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Миср фиръавнига юзлан. Унга ва бутун Миср халқига қарши башорат қилиб айт: 3 «Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Миср фиръавни, Мен сенга қаршиман. Сен Нил ҳавзаларида чўзилиб ётган бамисоли буюк аждарҳодирсан. Сен: ‘Нил дарёси менинг шахсий мулким, уни ўзим учун яратганман’, деб айтасан. 4 Аммо Мен жағларингга илмоқлар соламан. Теринғдаги тангачаларингга балиқларни* ёпиштираман. Сени тангачаларингга ёпишган балиқлар билан бирга қуруқликка тортиб чиқараман. 5 Мен сени ва ҳавзаларингдаги ҳамма балиқларни саҳрога улоқтириб ташлайман. Сен очиқ майдонда ётасан. Сени олиб, кўмадиган одам бўлмайди. Мен сени дашт ҳайвонларию осмон қушларига ем қилиб бераман. 6 Шунда бутун Миср халқи Эгангиз Мен эканлигимни билиб олади.

Сен халқим Исроил учун қамиш ҳассадай бўлдинг. 7 Улар сени ушлаганда, сен ёрилиб, қўлларини кесиб юбординг. Сенга суянганларида синиб, белларини чиқариб юбординг*.

8 Шу боис Эгамиз Раббий айтмоқда: Мен сенинг бошингга қилич келтираман, одаму ҳайвонларингни қилич тиғидан ўтказаман. 9 Бутун Миср юртини ташландиқ харобазорга айлантираман. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб

оласизлар.

Сен: ‘Нил меники, мен ўзим уни яратдим’, деб айтганинг учун, [10] Мен сенга ва сенинг барча ҳавзаларингга қарши чиқаман. Бутун Миср юртини тамомила хароб қиламан. Мигдолдан тортиб, то Саванайгача ва жанубдаги Ҳабашистон* ҳудудигача ҳамма ерларини ташландиқ қиламан. [11] Одам у ерга оёғини босмайди, ҳайвонлар ҳам у ердан юрмайди. Қирқ йил мобайнида у ерда ҳеч ким яшамайди. [12] Мен Миср юртини дунёдаги энг хароб юртга айлантираман. У ердаги шаҳарлар қирқ йил мобайнида ташландиқ бўлиб ётади, вайроналари бошқа шаҳарлардан баттар бўлади. Мен Мисрликларни халқлар орасига тарқатиб ташлайман, бошқа юртларга қувиб юбораман.»

[13] Фиръавнга яна айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: қирқ йил ўтгач, Мен халқлар орасига тарқатиб юборган Мисрликларни йиғиб оламан. [14] Уларни яна фаровонликка эриштириб, ўз она юрти Патрўсга* олиб келаман. Уларнинг шоҳлиги ожиз бир шоҳлик бўлади. [15] Ҳа, улар дунёнинг энг ожиз шоҳлиги бўлиб, ҳеч қачон бошқа халқлардан устун бўла олмайди. Мен уларни шу қадар заиф қилиб қўяманки, улар ўз ҳукмини бошқа халқларга ўтказа олмай қолади. [16] Халқим Исроил энди ҳеч қачон ўз умидини Мисрга боғламайди. Улар Мисрдан ёрдам сўраб, гуноҳ қилганларини доимо эсларида тутадилар. Ўшанда Мисрликлар Эгангиз Раббий Мен эканлигимни билиб оладилар.»”

Шоҳ Навухадназар Мисрни босиб олади

[17] Сургун бўлган пайтимизнинг йигирма еттинчи йили биринчи ойининг* биринчи кунида Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: [18] “Эй инсон, Бобил шоҳи Навухадназар Тирга қарши шиддатли уруш олиб борди*. Бобил лашкарининг сочлари тўкилиб, елкалари шилиниб яллиғланди. Аммо қилган меҳнатларига яраша улар Тирдан ҳеч қандай ўлжа ололмадилар. [19] Шу боис Миср юртини Бобил шоҳи Навухадназарга бераман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — У Мисрни талон–тарож қилиб, у ердаги бойликларни ўзи билан олиб кетади. Миср бойликлари Бобил лашкари учун меҳнат ҳақи бўлади. [20] Ҳа, Мен Миср юртини Бобил шоҳига меҳнат ҳақи қилиб бердим, чунки у ва унинг лашкари Менинг хизматимни қилдилар, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — [21] Ўша куни Мен Исроил халқининг қудратини тиклайман*. Бу сўзларимни халқимга етказишинг учун Мен сенга куч бераман. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни улар билиб оладилар.”

30–БОБ

Миср ҳақида марсия

[1] Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: [2] “Эй инсон, Миср ҳақида башорат қилиб айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда:

Шўримиз қурсин, эвоҳ!
[3] Даҳшатли кун яқинлашди,
Менинг ғазаб куним* келишига оз қолди.
Мана шу кун булутли кун бўлади,
Халқлар кулфат чекадиган замон бошланади.
[4] Мисрнинг бўғзига қилич келади,
Ҳабашистон* кулфат азобида қолади.
Мисрда кўп одамлар ҳалок бўлади,
Унинг бойлиги олиб кетилади,

Пойдевори бузиб ташланади.

5 Ҳабашистон, Ливия, Лидия*, бутун Арабистон, Куб* ва Мисрнинг қолган барча
иттифоқчилари жангда ҳалок бўладилар.
6 Эгамиз айтмоқда: Миср иттифоқчиларининг устига қирғин келади. Улар
қилич тиғидан ҳалок бўлиб, жасадлари шимолдаги Мигдолдан то жанубдаги
Саванайгача ётади. Мисрнинг мағрур қудрати ҳалок бўлади, — деб айтмоқда
Эгамиз Раббий. 7 — Миср дунёнинг энг хароб юртига айланади, у ердаги шаҳарлар
вайрон бўлади. 8 Мен Мисрга ўт қўйиб, унинг мададкорларини тор–мор қиламан.
Шунда Эгаси Мен эканлигимни Мисрликлар билиб оладилар.
9 Ўша куни хотиржам яшаётган Ҳабашистонликларни қўрқитиш учун Мен
кемаларда элчиларимни жўнатаман. Миср устига кулфат тушган куни
Ҳабашистонликлар азобда қоладилар. Мана, ўша кун ҳадемай келади.
10 Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен Бобил шоҳи Навухадназар орқали
Мисрнинг тўдасини яксон қиламан. 11 Навухадназар қўшин тортиб келади. Улар
ўтакетган ёвуз халқдир. Улар бутун юртни хароб қиладилар. Мисрликларни
қиличдан ўтказиб, юртни жасадларга тўлдирадилар. 12 Мен Нил ҳавзаларини
қуритаман, юртни разил одамларнинг қўлига бераман. Келгиндиларнинг қўли
билан Мисрни ва у ердаги ҳамма нарсани хароб қиламан. Буларни Мен айтдим.
13 Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен барча бутларни йўқ қиламан, Нуф*
маъбудаларига чек қўяман. Миср юртида бironта ҳукмдор қолмайди,
Мисрликларни қўрқув қамраб олади. 14 Мен Патрўсни* ташландиқ жойга
айлантираман. Зўван шаҳрига ўт қўяман, Миср пойтахти Нўни* жазолайман.
15 Мисрнинг мустаҳкам Син қалъасини ғазабимга гирифтор қиламан, пойтахт
шаҳар Нўнинг тўдасини қириб ташлайман. 16 Бутун Миср юртига ўт қўяман! Син
аҳолиси чексиз азобда қолади, Нў шаҳрининг девори йиқитилади, душманлар
куппа–кундузи Нуф шаҳрига ҳужум қилади. 17 Он* ва Пи–Башат* йигитлари
жангда ҳалок бўлишади, шаҳарлар аҳолиси асирликка тушади. 18 Мен Мисрнинг
ҳукмронлигини йўқ қилганимда, унинг пеш қилган қудратини синдирганимда,
Тахпанхас шаҳри қоронғиликка ботади, уни қора булутлар қоплаб олади. Шаҳар
атрофидаги қишлоқлар асирликка тушади. 19 Шу йўсин Мен Мисрни жазолайман.
Ўшанда улар Эгаси Мен эканимни билиб оладилар.»”

Фиръавннинг синган қўли ҳақида башорат

20 Сургун бўлган пайтимизнинг ўн биринчи йили биринчи ойининг* еттинчи
кунида Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 21 “Эй инсон, Мен Миср фиръавнининг
қўлини синдирдим. Ҳеч ким унинг қўлини боғламади, тахтакачлаб қўймади. Энди
унинг қўли шифо топмайди, қилич ушлашга қодир бўлмайди. 22 Мен фиръавнга
қаршиман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Унинг иккала қўлини — соғ қўлини
ҳам, синган қўлини ҳам синдираман. Қўлидаги қилични ерга тушириб юбораман.
23 Мисрликларни халқлар орасига тарқатиб ташлайман, бошқа юртларга қувиб
юбораман. 24 Бобил шоҳининг кучига эса куч қўшиб, қўлларига қиличимни
тутқазаман. Ҳа, Мен фиръавннинг қўлларини синдираман, у душмани олдида
оғир яраланган одам каби инграйди. 25 Унинг қўллари арқондай осилиб қолади,
Бобил шоҳининг қўлларини эса Мен кучли қиламан. Унинг қўлларига қиличимни
тутқазиб, Мисрга қарши юбораман. Шунда Эгаси Мен эканлигимни Мисрликлар
билиб оладилар. 26 Ҳа, Мен Мисрликларни халқлар орасига тарқатиб ташлайман,
бошқа юртларга қувиб юбораман. Ўшанда Эгаси Мен эканлигимни улар билиб
оладилар.”

31–БОБ

Мисрнинг қисмати садр дарахти тимсолида

1 Сургун бўлган пайтимизнинг ўн биринчи йили учинчи ойининг* биринчи
кунида Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Миср фиръавни ва унинг
тўдасига шундай деб айт:

«Буюклигингда сенга тенг келадиган ким бор?!
3 Оссурияга бир қара!
У ҳам бамисоли Лубнондаги садр дарахти* эди,
Кўркам шохлари ўрмонга соя солар эди,
Унинг учи булутларга тегиб турарди.
4 Сувлар уни суғорар эди,
Ер ости булоқлари уни ўстирар эди.
Анҳор сувлари илдизларининг атрофида оқар эди,
Ирмоқлари ҳамма дашт дарахтларини тўйдирарди.
5 Бу улкан садр баланд ўсиб,
Атрофдаги ҳамма дарахтлардан дароз бўлди.
Мўл суғорилгани учун новдалари ўсди,
Шохлари узун ва серсоя бўлди.
6 Барча осмон қушлари шохларида ин қурарди,
Остида барча ёввойи ҳайвонлар болалашарди,
Соясида ҳамма буюк халқлар яшарди.
7 Бу дарахт кўркам, салобатли эди,
Унинг шохлари кенг ёйилган эди.
Ахир, илдизлари сероб сувдан баҳра оларди.
8 Худонинг боғи — Адандаги бирорта садр
Унга тенг кела олмас эди,
Бирорта арча унинг бутоқлари билан беллаша олмасди.
Бирорта чинорнинг бундай шохлари йўқ эди,
Худонинг боғидаги бирорта дарахт шу қадар гўзал эмасди.
9 Худо уни гўзал қилиб яратди,
Шох–бутоқларини серфайз қилди.
Худонинг боғи — Адандаги ҳамма дарахтлар унга ҳавас қиларди.

10 Шу боис Эгамиз Раббий шундай деб айтмоқда: эй фиръавн, бу садр дарахти
баланд ўсиб, учи булутларга етди. У баландлигидан мағрурланиб кетди. 11 Мен
уни ажнабий ҳукмдорнинг* қўлига топширдим. У ўша дарахтни фосиқлигига
яраша жазолади. Мен Ўзим эса бу дарахтдан воз кечдим. 12 Ажнабийларнинг энг
ёвуз халқи уни йиқитиб, ташлаб кетди. Чопилган шохлари қирлару водийларда,
синган бутоқлари юртнинг ҳамма жарликларида сочилиб ётди. Соясида ором
олган жаҳоннинг ҳамма халқлари тарқалиб кетди. 13 Барча осмон қушлари
ағдарилиб ётган дарахт танасига келиб қўнди, барча ёввойи ҳайвонлар шохлари
орасига кириб ётди, 14 токи сув бўйига ўтқазилган бирорта дарахт энди бу қадар
баланд бўлиб ўсмасин. Уларнинг учи булутларга тегмасин. Сувга тўйган бирорта
дарахт шунчалик баланд бўлмасин. Уларнинг ҳаммаси, фоний бандалар каби, бу
дунёдан ўтиб кетишади, қабрдаги марҳумларга ҳамроҳ бўлишади.
15 Эгамиз Раббий демоқда: ўша улкан дарахт ўликлар диёрига* тушганда, унга
аза тутишлари учун Мен ер ости сувларини беркитган эдим. Дарёларига тўсиқ
қўйган эдим, сероб сувларини тўхтатган эдим. Уни деб Лубнон тоғларига зулмат

либосини кийдирган эдим. Уни деб ҳамма ўрмон дарахтлари хазон бўлган эди.
16 Мен ўша дарахтни чуқурдаги марҳумларга ҳамроҳ қилиб, ўликлар диёрига
туширганимда, дарахтнинг қулаши шовқинидан халқлар қўрқувга тушиб,
титраган эди. Ўшанда Адан боғининг ер қаърига тушган ҳамма дарахтлари,
Лубноннинг энг сара, энг аъло, яхши суғорилган ҳамма дарахтлари унинг
қулашидан таскин топган эди. 17 Унинг панасида яшаган иттифоқчиларининг
ҳаммаси дарахт билан бирга ўликлар диёрига тушишган. Улар қилич тиғидан
ҳалок бўлганларга қўшилишган.
18 Эй фиръавн, сенинг шон–шуҳратингу салобатингни Адандаги қайси
дарахтга қиёсласам бўлар экан–а? Сен ҳам Адандаги бошқа дарахтлар сингари, ер
қаърига тушасан. Қиличдан ҳалок бўлган суннатсизлар билан бирга гўрда ётасан.
Сен ва тўдангнинг қисмати худди Оссурияникидай бўлади. Эгамиз Раббийнинг
каломи шудир.»”

32–БОБ

Фиръавн аждарҳо тимсолида

1 Сургун бўлган пайтимизнинг ўн иккинчи йили ўн иккинчи ойининг*
биринчи кунида Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, фиръавнга
шундай марсия куйла:

«Сен ўзингни халқлар орасидаги шер деб биласан.
Аммо сен сувдаги аждарҳо кабидирсан!
Сен ирмоқларингдаги сувни кўпиртирасан,
Оёқларинг билан уни лойқалатасан.

3 Эгамиз Раббий шундай демоқда:

Бир талай халойиқ йиғилганда,
Мен устингга тўр ташлайман.
Улар эса сени қирғоққа тортиб чиқаришади.
4 Мен сени ерга улоқтираман,
Яланглиқка ташлаб қўяман.
Осмондаги барча қушларни устингга қўндираман.
Ер юзидаги ҳамма ёввойи ҳайвонларга
Сени ем қилиб бераман.
5 Ичак–човоқларингни қирларга ёйиб ташлайман,
Водийларни жасадинг қолдиқлари билан қоплайман.
6 Юртни оққан қонинг билан суғораман,
Тоғларни қонингга бўктираман.
Жарликларни қонингга тўлдираман.
7 Сени даф қилганимда, осмонни тўсиб қўяман,
Юлдузларни зулматга чўктириб юбораман.
Қуёш юзини булут билан қоплайман,
Ой нурини сўндираман.
8 Бошинг узра порлаган
Ҳамма осмон чироқларини ўчираман.
Юртингни зулмат қучоғига отаман,
— деб айтмоқда Эгамиз Раббий. —

9 Мен қулашинг ҳақидаги хабарни халқлар орасига ёяман, сен билмаган
юртларга етказаман. Шунда кўп халқларнинг юракларига ваҳима соламан.
10 Бошингга туширадиган кулфатлар боис кўп халқларнинг ақлини шошираман.
Қиличимни ўйнатиб, сен туфайли уларнинг ҳукмдорларини титратаман.
Бошингга кулфат келган куни, уларнинг ҳар бири жонини ҳовучлаб, қалтирайди.»
11 Фиръавнга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Бобил шоҳининг қиличи
бўғзингда бўлади. 12 Лашкаринг ўтакетган ёвуз халқнинг қўлига тушади. Улар
қудратли жангчилар тиғидан ўлади. Сенинг ғуруринг поймол этилади, тўда
лашкаринг ҳалок бўлади. 13 Сероб сувлар бўйидаги ҳамма подаларингни Мен
қириб ташлайман. Бундан буён бирорта инсон оёғи билан сувларни
лойқалатмайди, бирорта ҳайвон туёқлари билан уни булғамайди. 14 Мен Миср
сувларини тиндираман, ирмоқларини мойдай сокин оқадиган қиламан, — деб
айтмоқда Эгамиз Раббий. — 15 Мен Мисрни ташландиқ қилганимда, у ердаги
ҳамма нарсани йўқ қилганимда, бутун аҳолисини қириб ташлаганимда, эй
фиръавн, сен ва халқинг Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар. 16 Сизлар
учун айтиладиган марсия шудир. Ажнабий аёллар бу марсияни куйлашар. Ҳа, бу
мотам шеърини Миср ва унинг тўдасига бағишлаб айтишар. Эгамиз Раббийнинг
каломи шудир.»”

Мисрликлар ўликлар диёрига тушади

17 Ўша ойнинг* ўн бешинчи кунида Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 18 “Эй
инсон, Миср ва унинг тўдаси учун қайғуриб йиғла. Уларни бошқа буюк халқлар
қаторида гўрдаги марҳумлар олдига* жўнат. 19 Уларга шундай деб айт: «Сизлар
ўзингизни бошқалардан гўзал деб биласизми? Қани боринг, суннатсизлар билан
бир гўрда ётинг! 20 Сизлар жангда ҳалок бўлганлар билан бирга жон берасиз.
Мана, қилич ҳозирланди! У ҳаммаларингизни қириб ташласин. 21 Ўликлар
диёридаги* буюк саркардалар сизларни ва иттифоқчиларингизни қаршилаб
олишади. Улар шундай деб ҳайқиришади: ‘Бу суннатсизлар жангда ҳалок бўлди,
ер бағрига тушиб келди, энди шу ерда ётибди!’
22 Оссурия ҳам у ерда, сипоҳларининг қабрлари орасида ётибди. Уларнинг
ҳаммаси қиличдан ҳалок бўлишган. 23 Қабрлари чуқурликнинг энг тубидадир.
Оссуриянинг қабри сипоҳларининг қуршовида жойлашган. Ҳа, тириклар дунёсига
даҳшат солганларнинг ҳаммаси қиличдан ҳалок бўлди.
24 Элам* ҳам ўша ерда, бир тўда сипоҳларининг қабрлари орасида ётибди.
Уларнинг ҳаммаси жангда ҳалок бўлган. Бу суннатсизлар нариги дунёга кетган.
Улар тириклар дунёсига даҳшат солишган эди, энди эса гўрдаги марҳумлар
сингари иснодга қолишди. 25 Ўлдирилганлар орасида Элам учун тўшак
ҳозирланган. Бир тўда сипоҳлари унинг атрофига дафн қилинган. Жангда ҳалок
бўлган бу суннатсизлар қачонлардир тириклар дунёсига даҳшат солишган эди,
энди эса гўрдаги марҳумлар сингари иснодга қолишди. Ҳа, улар ҳалок бўлганлар
орасида ўрнашишди.
26 Мешех билан Тувал* ҳам ўша ердадир. Улар сипоҳларининг қабрлари
орасида ётишибди. Бу суннатсизларнинг ҳаммаси жангда ҳалок бўлишган. Бироқ
улар ҳам қачонлардир тириклар дунёсига даҳшат солишган эди. 27 Қадимда
қаҳрамонларни* қурол–аслаҳалари билан бирга дафн қилишар эди*.
Марҳумларнинг боши остига қилич қўйиб, танасини қалқон билан ёпишар эди*.
Бироқ Мешех билан Тувал бундай ҳурмат–эҳтиромларга сазовор бўлмади, чунки
улар тириклигида бутун жаҳонга даҳшат солишган эди. 28 Улар ҳам йўқ қилинади.
Жангда ҳалок бўлган суннатсизлар билан бирга ётади.
29 Эдом ҳам ўз шоҳларию раҳнамолари билан ўша ердадир. Улар ўз қудратига

қарамай, ўлдирилганлар орасига дафн қилинганлар. Гўрдаги суннатсизлар билан бирга ётишибди.

30 Шимолдаги салтанатларнинг ҳамма шаҳзодалари* ва ҳамма Сидонликлар
ўша ердадир. Улар қачонлардир буюк қудрати билан бутун жаҳонни даҳшатга
туширишган эди, сўнг шармандаларча ҳалок бўлишди. Бу суннатсизлар қиличдан
ҳалок бўлганлар орасида ётишибди. Улар гўрдаги марҳумлар сингари иснодга
қолишди.»

31 Фиръавн ва унинг тўдасига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй ўз
тўдасидан айрилган фиръавн, сен бу чексиз қабристоннинг манзарасини кўриб,
таскин топасан. 32 Сен орқали бутун жаҳонни даҳшатга солган бўлсам ҳам, энди
барча қўшинларинг билан бирга жангда ҳалок бўлган суннатсизлар орасида
ётасан. Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»”

33–БОБ

Худо Ҳизқиёлни соқчи қилиб тайинлайди

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, халқинг олдига бориб шундай
сўзларни айт: «Борди–ю, Мен бирон–бир юртга қилич юбормоқчи бўлсам, ўша
ердаги халқ ўзига бир соқчини тайинлайди. 3 Соқчи яқинлашиб келаётган ёв
қўшинларини кўргач, бурғу чалиб бу ҳақда бутун халқни огоҳлантиради.
4 Борди–ю, бурғу овозини эшитган одамлар бепарволик қилиб ҳалок бўлишса,
уларнинг қони ўз гарданида қолади. 5 Улар бурғу овозини эшитиб туриб, унга
эътибор бермаганлари учун ўз бошини ўзлари еган бўладилар. Улар
огоҳлантиришга эътибор берганда, жонларини сақлаб қолишлари мумкин эди,
ахир! 6 Борди–ю, соқчи яқинлашиб келаётган ёв қўшинини кўриб туриб, бурғу
чалмаса, у халқни огоҳлантирмаган бўлади. Ҳалок бўлган одамлар ўз гуноҳлари
дастидан ўладилар, бироқ уларнинг ўлими учун Мен соқчини жавобгар қиламан.»

7 Шу сингари, эй инсон, Мен сени Исроил халқи учун бир соқчи қилиб
тайинладим. Сен оғзимдан чиққан ҳар бир сўзимни халқимга айтиб, уларни
огоҳлантирасан. 8 Борди–ю, Мен фосиққа: «Эй фосиқ, сен ўласан», деб айтсам–у,
сен эса унга гапирмасанг, уни ёмон йўлдан қайтариш учун огоҳлантирмасанг, ўша
фосиқ ўз гуноҳи дастидан* ўлади, бироқ унинг ўлими учун Мен сени жавобгар
қиламан. 9 Борди–ю, сен ўша фосиқни огоҳлантирсанг–у, у эса ёмон йўлидан
қайтмаса, у ўз гуноҳи дастидан ўлади, сен эса жонингни сақлаб қолган бўласан.

Одамнинг шахсий масъулиятлари

10 Эй инсон, Исроил халқига айт: «Сизлар шундай деб айтасизлар: ‘Қилган
гуноҳларимиз бизни босиб қолди. Биз адо бўляпмиз. Бундай аҳволда яшаб
бўладими, ахир?!’ 11 Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен барҳаёт Худо бўлганим
ҳақи онт ичиб айтаманки, фосиқнинг ҳалокатидан севинмайман. Аксинча,
фосиқлар ёмон йўлидан қайтиб, яшашини хоҳлайман. Эй Исроил, орқага қайт!
Ёмон йўлдан қайт! Нима учун ҳалок бўлишинг керак?!»

12 Эй инсон, халқинг олдига бориб айт: «Агар солиҳ одам ёмон йўлга кирса,
қилган савоб ишлари уни қутқара олмайди. Агар фосиқ одам тўғри йўлга кирса,
қилган гуноҳлари уни ҳалокатга етакламайди. Гуноҳга қўл урган солиҳ одам эса
жонини сақлаб қололмайди.» 13 Эй инсон, борди–ю, Мен солиҳ одамга ҳаёт ваъда
қилсам–у, у одам эса солиҳлигига ишониб, гуноҳга қўл урса, унинг қилган савоб
ишлари ҳисобга олинмайди. Қилган гуноҳи туфайли у ўлади. 14 Борди–ю, фосиқ
одамга: «Сен ўласан», деб айтсам–у, у одам эса ёмон йўлидан қайтиб тўғри,
адолатли ишлар қилса, 15 гаровга олган нарсани эгасига берса, ўғирлаган

нарсасини қайтарса, ёмонликдан воз кечиб, ҳаётбахш қонун–қоидаларга риоя қилса, бундай одам албатта яшайди, у ўлмайди. 16 Мен унинг қилган бирорта гуноҳини эсга олмайман. Ўша одам тўғри ва адолатли ишлар қилгани учун албатта яшайди.

17 Эй инсон, сенинг халқинг «Раббийнинг тутган йўли ноҳақ–ку!» деб шикоят қилади. Аслида эса ўзларининг йўллари ноҳақ. 18 Ҳақ йўлдан озган ва гуноҳга қўл урган солиҳ киши қилган гуноҳи учун ҳалок бўлади. 19 Ёмон йўлдан қайтиб тўғри, адолатли ишлар қилган фосиқ киши эса қилган тўғри ишлари учун жонини сақлаб қолади. 20 Улар эса: «Раббийнинг тутган йўли ноҳақ–ку», деб айтади. Уларга Менинг шу сўзларимни айт: «Эй Исроил халқи, билиб қўй, Мен ҳаммангизни қилган ишингизга яраша ҳукм қиламан.»”

Қуддуснинг қулаши ҳақидаги хабар

21 Сургун бўлган пайтимизнинг ўн иккинчи йили ўнинчи ойининг* бешинчи кунида Қуддусдан қочиб келган бир одам олдимга келиб: “Қуддус қулади”, деб айтди. 22 Бундан бир кун аввал, кечаси, Эгамизнинг қудрати мени қамраб олган эди. Эрталаб қочоқ келмасдан олдин, Эгамиз менга гапириш иқтидорини қайтариб берган эди*. Мен яна тилга кирган эдим.

Халқнинг гуноҳлари

23 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 24 “Эй инсон, Исроилнинг хароб шаҳарларида яшаб юрган одамлар шундай деб юришибди: «Иброҳим ёлғиз ўзи бўла туриб, бутун юртга эгалик қилар эди. Биз эса кўпчиликмиз. Бизнинг ҳам бу юртга эгалик қилишга ҳақимиз бор.» 25 Ўша одамларга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: сизлар қони чиқарилмаган гўштни тановул қиласизлар*, бутларга сиғиниб, қотилликка қўл урасизлар. Шундай экан, бу юртга эгалик қилишга нима ҳақингиз бор?! 26 Сизлар фақат ўз қиличингизга ишоняпсизлар! Жирканч ишлар қиляпсизлар. Ҳар бирингиз қўшнингизнинг хотинини булғаяпсизлар! Бу юртга эгалик қилишга нима ҳақингиз бор?!» 27 Уларга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаманки, ўша хароб шаҳарларда яшаб юрган одамларнинг ҳаммаси қиличдан ҳалок бўладилар. Бепоён далаларда бўлганларни ёввойи ҳайвонлар ғажиб ташлайди. Қалъаларда ва ғорларда бўлганлар эса ўлатдан нобуд бўладилар. 28 Мен бутун юртни ташландиқ харобазорга айлантираман. Сизларнинг мағрур қудратингизга чек қўяман. Исроил тоғларида бирорта тирик жон қолмайди, у ерга одам оёқ босмайди. 29 Мен сизларни қилган жирканч ишларингиз учун жазолаб, юртни ташландиқ харобазорга айлантирганимда, Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар.»

Ҳизқиёл воизлигининг натижаси

30 Эй инсон, юртдошларинг шаҳар деворлари олдида ҳамда уй остоналарида туриб, сени ғийбат қилишяпти. Улар бир–бирларига: «Қани юринглар, Эгамиздан келган хабарни бир эшитиб кўрайлик–чи!» дейишади. 31 Улар олдингга тўдалашиб келишади. Гапларингни эшитиб ўтиришади, лекин биронтаси ҳам айтганларингни қилмайди. Уларнинг тилидан бол томади, аммо дилида ўз фойдасини кўзлайдилар. 32 Улар учун сен моҳир бир созанда, муҳаббат ҳақида куйлаган хушовоз бир хонанда кабисан, холос. Улар айтганларингни эшитишади–ю, аммо гапингга киришмайди. 33 Мен сенга айтган барча кулфатлар уларнинг бошига тушади. Шунда улар сени пайғамбар деб тан олишади.”

34–БОБ

Исроил чўпонлари

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Исроил чўпонларига қарши
башорат қилиб айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Исроил чўпонлари,
сизнинг ҳолингизга вой! Сизлар қўйларни боқиш ўрнига ўзингизни боқиб
юрибсизлар! 3 Энг семиз қўйларни сўйиб, ёғини ейсизлар. Жундан тўқилган
кийимлар киясизлар. Қўйларни эса боқмайсизлар. 4 Нимжон қўйларга
қарамайсизлар, касалларни даволамайсизлар, яраларини боғламайсизлар,
адашганларни олиб келмайсизлар, йўқолганларни изламайсизлар. Аксинча,
уларни қаттиққўллик билан бошқариб, зулм ўтказасизлар. 5 Сурувнинг чўпони
бўлмагани учун қўйларим ҳар ёққа тарқалиб кетди. Улар ҳамма ёввойи
ҳайвонларга ўлжа бўлди. 6 Ҳа, қўйларим тарқалиб кетди. Улар тоғу тепаликларда
сандироқлаб юрди. Бутун ер юзига ёйилиб кетди, уларни ҳеч ким изламади.
7 Эй чўпонлар, Менинг сўзимни эшитиб қўйинглар. 8 Мен, Эгангиз Раббий,
барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт ичиб айтаман: ана, чўпонсиз қолган қўйларим
ўлжа бўлди. Менинг қўйларим ҳамма ёввойи ҳайвонларга егулик бўлди. Эй
чўпонларим, сизлар қўйларимни қидирмадингиз. Қўйларимни боқмай, ўзингизни
боқдингиз. 9 Шунинг учун, эй чўпонлар, Менинг сўзимни икки қулоғингиз билан
эшитиб қўйинглар! 10 Мен, Эгангиз Раббий, айтаманки, сизларга қаршиман. Нобуд
бўлган қўйларимни сизлардан ундириб оламан. Сизлар сурувимни бошқа
боқмайсизлар. Бундан буён фақат ўз қоринларингизни тўйғизиб юрмайсизлар.
Мен қўйларимни сизнинг оғзидан тортиб оламан, сиз қўйларимни емайсизлар.

Яхши чўпон

11 Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй чўпонлар, Мен Ўзим қўйларимни
қидириб топаман. 12 Адашган сурувни қидирган чўпондай қўйларимни излайман.
Булутли, қоронғи кунда* ҳар ёққа тарқалиб кетган қўйларимни ҳамма жойдан
халос қилиб олиб келаман. 13 Уларни бегона ўлкаю юртлардан олиб чиқиб, она
заминига олиб келаман. Исроил тоғларида, сойликларда ва юртнинг обод
ўлкаларида уларни боқаман. 14 Яхши яйловларда ўтлатаман, Исроил тоғлари
уларнинг яйлови бўлади. Улар ўша ердаги майсазорларда ётиб, Исроил
тоғларининг кўм–кўк яйловларида ўтлаб юради. 15 Мен Ўзим қўйларимга чўпон
бўламан. Уларга ором бераман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 16 — Йўқолган
қўйларимни излаб топаман, адашганларини қайтариб олиб келаман. Уларнинг
яраларини боғлаб қўяман, нимжон қўйларни парвариш қиламан. Семиз, бақувват
қўйларни эса йўқ қиламан. Мен сурувимни адолат ила боқаман.
17 Эй сурувимдаги қўйлар, сизлар ҳақингизда Мен, Эгангиз Раббий, айтаманки,
сурувимдаги қўйлар орасида ажрим қиламан, қўчқор ва така орасида ҳукм
чиқараман. 18 Нега сизлар яхши ўтдан еб, ортганини пайҳон қиляпсизлар?! Тиниқ
сувдан ичиб, қонганингиздан кейин сувни лойқалатяпсизлар?! 19 Нима учун
қолган қўйларим сизлар пайҳон қилган ўтдан ейишлари керак?! Сизлар
лойқалатган сувдан ичишлари керак?!»
20 Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен Ўзим семиз ва
ориқ қўйларни ажрим қиламан. 21 Семиз қўйлар ориқ қўйларимни биқини ва
елкаси билан итариб, шохлари билан суздди. Уларни узоқларга тарқатиб юборди.
22 Лекин Мен сурувимни қутқариб оламан, улар энди ўлжа бўлмайдилар. Мен бир
қўй билан бошқа қўй орасида ажрим қиламан. 23 Мен қулим Довудни чўпон қилиб
тайинлайман. У сурувимни боқади, уларга чўпонлик қилади. 24 Мен уларнинг
Худоси бўламан, қулим Довуд эса уларнинг ҳукмдори бўлади. Буларни Мен,

Эгангиз, айтдим.
25 Эй Исроил халқи! Сизлар менинг сурувимсиз. Мен сизлар билан тинчлик
аҳдини тузиб, юртдаги барча ёввойи ҳайвонларни қувиб чиқараман. Шунда
сизлар дашту биёбонларда осойишта ҳаёт кечирасизлар, ўрмонларда тинч
ухлайсизлар. 26 Мен сизларга барака бераман. Муқаддас тоғим* атрофида
яшашингизга йўл қўяман. Сизларга ёмғирни ўз мавсумида барака қилиб
ёғдираман. 27 Боғ–роғлардаги дарахтлар мева беради, ер мўл ҳосил етиштиради.
Сизлар ўз заминингизда ҳар қандай хавф–хатардан холи бўласиз. Мен сизларни
қул қилиб олган золимларнинг қўлидан халос қиламан, бўйинтуруғини
синдираман. Ўшанда сизлар Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласиз. 28 Бундан
буён ўзга халқлар сизларни таламайди, юртдаги ёввойи ҳайвонлар сизларни
ғажимайди. Сизлар осойишта ҳаёт кечирасиз, ҳеч ким сизларга таҳдид солмайди.
29 Очарчиликдан нобуд бўлмаслигингиз учун Мен сизларга серунум ерларни
бераман. Ўзга халқлар сизларни ҳақорат қилмайдиган бўладилар. 30 Эй Исроил
халқи! Шунда Мен сизлар билан бирга эканлигимни билиб оласизлар. Менинг
халқим эканлигингизни сизлар англаб етасизлар. Зотан, Мен Исроил халқининг
Эгаси Худоман! — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — 31 Эй Исроил халқи, сизлар
Менинг сурувим, яйловимдаги қўйларимсизлар, Мен эса сизнинг Худойингизман.
Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»”

35–БОБ

Худо Эдомни жазолайди

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Сеир тоғларига* юзлан, уларга
қарши башорат қилиб айт: 3 «Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Сеир тоғлари,
Мен сизларга қаршиман. Мен сизларга қарши қўлимни кўтариб, сизларни
ташландиқ харобазор қиламан. 4 Шаҳарларингизни вайрон қилиб, юртингизни
ташландиқ жойга айлантираман. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб
оласизлар. 5 Халқимга бўлган қадимги адоватингиз туфайли сизлар Исроил
халқининг тақдирини қилич билан ҳал қилган эдингизлар. Улар шусиз ҳам
охирги жазосини тортиб, бошларидан оғир дамларни кечираётган эдилар–ку!
6 Шу қилганларингиз учун, Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт
ичиб айтаманки, сизларни қонга белайман, қон кетингиздан қувади. Сизлар
қотилликдан ҳазар қилмаганингиз учун қотиллик сизларни доим таъқиб қилади.
7 Эй Сеир тоғлари, Мен сизларни хароб қилиб, ташландиқ жойга айлантираман.
Ҳудудингиздан ҳеч ким юрмайдиган бўлади. 8 Мен сизларни жасадларга
тўлдираман. Қиличдан ҳалок бўлган одамларнинг жасадлари қирларингизда,
водийларингизда, сойликларингизда ётади. 9 Сизларни то абад ташландиқ
қиламан. Шаҳарларингизда ҳеч қачон одам яшамайди. Ўшанда Эгангиз Мен
эканлигимни билиб оласизлар.
10 Мен, Эгангиз, Яҳудо ва Исроил юртида бўлганимга қарамай, сизлар шундай
деб айтган эдингиз: ‘Бу икки халқ бизники бўлади, уларнинг юртини биз қўлга
киритамиз.’ 11 Шундай экан, Мен, Эгангиз Раббий, барҳаёт Худо бўлганим ҳақи онт
ичиб айтаманки, сизларни қилган қилмишларингизга яраша жазолайман. Сизлар
халқимдан нафратланиб, уларга ҳасад қилганингиз ҳамда устиларига
ғазабингизни сочганингиз учун адабингизни бераман. Мен сизларни
жазолаганимда Ўзимни халқимга танитаман. 12 Сизлар Исроил тоғларига қарата
айтган ҳақоратли сўзларингизни Мен, Эгангиз, эшитганимни билиб оласизлар.
Сизлар шундай деган эдингиз: ‘Исроил хароб бўлди, энди бу халқ бизга ем

бўлади.’ 13 Ҳа, сизлар Менинг олдимда ўзингизни катта тутдингизлар. Оғзингизни кўпиртириб, Менга қарши гапирдингизлар. Мен ҳаммасини эшитдим.
14 Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен сизларни хароб қилганимда, бутун жаҳон севинади. 15 Ахир, сизлар Исроил юрти хароб бўлганидан севинган эдингизлар. Шунинг учун Мен бу кўргиликни бошларингизга соламан. Эй Сеир тоғлари, эй бутун Эдом юрти, сизлар хароб бўласиз. Шунда Эгангиз Мен эканлигимни бутун жаҳон билиб олади.»”

36–БОБ

Исроил тоғлари ҳақида башорат

1 Эгамиз менга деди: “Эй инсон, Исроил тоғлари ҳақида шундай башорат қил: «Эй Исроил тоғлари, Эгамизнинг сўзини эшитинг. 2 Эгамиз Раббий шундай демоқда: ғанимларингиз сизни мазах қилиб: ‘Аҳа! Бу кўҳна тепаликлар энди бизники бўлди’, деб айтган эдилар.» 3 Шунинг учун, эй инсон, башорат қилиб айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: қўшни халқлар сизларга ҳар ёқдан ҳамла қилиб, сизларни хонавайрон қилганлари учун, сизлар уларнинг мулки бўлдингиз, одамлардан ҳақоратлар эшитиб, хўрликлар кўрдингиз. 4 Эй Исроил тоғлари, энди Менинг сўзимни эшитинг! Мен, Эгангиз Раббий, тоғлару қирларга, сойликлару водийларга, харобазорлару ҳувиллаган шаҳарларга гапирмоқдаман. Ахир, бу шаҳарлар атрофдаги ҳамма халқларга ўлжа ва кулги бўлди. 5 Мен, Эгангиз Раббий, айтаманки, Исроил атрофида яшаган халқлардан, хусусан, Эдом халқидан қаттиқ ғазабдаман. Чунки улар нафрат туйғусига берилиб, яйловларни талон–тарож қилиш учун юртимни қўлга киритдилар. Шунда ўзида йўқ хурсанд бўлдилар.» 6 Эй инсон, шу сабабдан Исроил юрти ҳақида башорат қилиб, тоғлару қирларга, сойликлару водийларга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: қўшни халқлар сизларни қанчалик хўрлаганини кўриб, ғазабим келди, рашким қўзиди. 7 Шу сабабдан Мен, Эгангиз Раббий, онт ичиб айтаманки, атрофингиздаги барча халқларни хўрламай қўймайман.
8 Сизлар эса, эй Исроил тоғлари, бутоқ чиқарасизлар. Халқим Исроил учун мўл ҳосил етиштирасизлар. Ҳа, кўп ўтмай улар ўз юртига қайтиб келадилар. 9 Мен сизларга юз бураман, Ўзим сизларга ғамхўрлик қиламан. Ерларингиз шудгор қилинади, экинлар экилади. 10 Мен Исроил аҳолисини кўпайтираман. Бутун Исроил хонадонини сон–саноқсиз қиламан. Ҳувиллаган шаҳарларга одамлар кўчиб келади, вайроналар қайта тикланади. 11 Нафақат одамларнинг, балки мол–қўйларнинг ҳам сони беҳад кўпаяди. Улар кўпайиб, баракали бўлади. Юртингиз илгаригидай одамларга тўлиб–тошади. Мен сизларни олдингидан ҳам аълороқ ҳаётга эриштираман. Ўшанда Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар. 12 Мен халқим Исроилни олдингизга етаклаб келаман. Улар ерларингизга эгалик қиладилар, сизлар халқимнинг мулки бўласизлар. Халқимнинг фарзандларини бошқа нобуд қилмайсизлар.
13 Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Исроил тоғлари, одамлар сизлар ҳақингизда шундай гапиришади: ‘Исроил юрти ўз одамларини нобуд қилади, ўз халқини фарзандларидан жудо қилади.’* 14 Аммо энди сизлар одамларни нобуд қилмайсизлар, халқингизни фарзандларидан жудо қилмайсизлар, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 15 — Бегона халқлар сизларни ҳақорат қилишларига ва устингиздан кулишларига Мен йўл қўймайман. Бундан буён халқимнинг қоқилишига сизлар сабаб бўлмайсиз. Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.»”

Исроил халқининг янги ҳаёти

16 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 17 “Эй инсон, Исроил халқи она юртида
яшаб юрган пайтида ерни ярамас қилмишлари билан булғаган эди. Уларнинг
бундай қилмишлари Менинг назаримда ҳайз кўрган аёлдай нопок эди*. 18 Улар
юртда қон тўкканлари учун, бутларга сиғиниб заминни булғаганлари учун, Мен
уларнинг устига ғазабимни сочган эдим. 19 Уларни халқлар орасига тарқатиб
ташлаган эдим, бошқа юртларга қувиб юборган эдим. Мен уларни тутган йўллари
ва қилган қилмишларига яраша жазолаган эдим. 20 Бироқ улар борган жойларида
Мени бадном қилишди. Уларни кўрган одамлар: «Бу Худонинг халқи–ку! Улар
Эгасининг юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлибди–да!» деб айтишар эди. 21 Ҳа,
Исроил халқи борган жойида Мени бадном қилди. Булғанган муқаддас номим
учун Мен қайғурдим.

22 Шундай экан, Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен
сизларни юртингизга қайтариб олиб келаман. Лекин буни сизлар учун эмас,
балки халқлар орасида сизлар булғаган Ўз номим учун қиламан. 23 Сизлар
булғаган Менинг буюк номим қанчалик муқаддас эканлигини Мен барча
халқларга кўрсатаман. Ўшанда Эгаси Мен эканлигимни улар билиб оладилар. Мен
сизлар орқали Ўз муқаддаслигимни уларга аён қиламан. Эгамиз Раббийнинг
каломи шудир.

24 Ахир, сизларни барча халқлар орасидан, ҳамма юртлардан йиғиб оламан. Ўз
юртингизга олиб бориб ўрнаштираман. 25 Устингизга тоза сувдан сепиб, сизларни
поклайман. Барча нопокликлару бутларингиздан тозалайман. 26 Сизларга янги
юрак бериб, қалбингизни янги руҳга тўлдираман. Бағрингиздаги тош юракнинг
ўрнига юмшоқ юрак бераман. 27 Ичингизга Ўз Руҳимни соламан. Сизлар
фармонларимга риоя қиладиган, қонун–қоидаларимни битта қолдирмай
бажарадиган бўласизлар. 28 Шунда Мен ота–боболарингизга берган бу юртда
яшайсизлар. Сизлар Менинг халқим бўласиз, Мен эса сизнинг Худойингиз
бўламан. 29 Мен сизларни барча нопокликлардан халос қиламан. Ғалла ҳосилини
мўл етиштириб, очарчиликка чек қўяман. 30 Овқат танқислигидан халқлар
орасида хор бўлмаслигингиз учун боғлару далаларингизга мўл ҳосил бераман.
31 Шунда сизлар ёвуз йўлларингизни, қабиҳ қилмишларингизни эслайсизлар,
қилган гуноҳларингиз ва жирканч одатларингиз учун ўзингиздан нафратланиб
кетасизлар. 32 Эй Исроил халқи, билиб қўйинглар, Мен сизларга қилмоқчи бўлган
бу яхшиликларга лойиқ эмассиз, бироқ шу орқали Мен сизларни уялтираман.
Қилган қилмишларингиздан пушаймон бўласиз. Эгамиз Раббийнинг каломи
шудир.»

33 Эй инсон, уларга айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: Мен сизларни
гуноҳлардан поклаганимда, одамларни олиб келиб, шаҳарларингизга
ўрнаштираман. Вайрона бўлиб ётган харобаларингиз тикланади. 34 Қачонлардир
сайёҳлар кезиб юрган ташландиқ, қаровсиз ерларга қайта ишлов берилади.
35 Улар бу ерларни кўрганда шундай деб айтишади: ‘Воажабо! Ташландиқ бўлиб
ётган бу ерлар Адан боғидай яшнаб кетибди–ку! Ҳувиллаб ётган хароб шаҳарлар
мустаҳкам деворлар билан ўралиб, обод бўлибди–ку!’ 36 Шунда атрофдаги омон
қолган халқлар хароб шаҳарларни Мен, Эгангиз, қайта қурганимни, яланг
майдонларга Мен экин экканимни билиб олишади. Мен, Эгангиз, айтган бу
сўзларимни албатта амалга ошираман.»”

37 Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Мен халқим Исроилнинг илтижоларига
қулоқ тутиб, уларни қўйлардай сон–саноқсиз қиламан. 38 Байрам арафасида
Қуддус кўчалари қурбонлик қилинадиган қўйлар билан тўлиб–тошганидай,

ҳозир вайрон бўлиб ётган шаҳарлар ҳам одамлар билан тўлиб–тошади. Ўшанда Исроил халқи Эгаси Мен эканлигимни билиб олади.”

37–БОБ

Қуриган суяклар водийси

1 Эгамизнинг қудрати мени қамраб олди. Эгамизнинг Руҳи мени кўтариб,
водийнинг ўртасига қўйди. Водий суякларга тўла эди. 2 Руҳ мени водийдаги бир
дунё суяклар орасида айлантириб юрди. Суяклар қуриб кетган эди. 3 Руҳ менга:
— Эй инсон, бу суяклар тирилиши мумкинми? — деб савол берди.
— Ё Эгам Раббий, буниси ёлғиз Ўзингга аён, — деб жавоб бердим мен.
4 Сўнг У менга шундай деди:
— Суякларга башорат қилиб айт: “Эй қуриган суяклар, Эгамизнинг сўзини
эшитинг! 5 Эгам Раббий сизларга шундай демоқда: Мен сизларга нафас* бераман,
сизлар тириласизлар. 6 Устингизни паю мушаклар билан қоплаб, тери тортаман,
сизларга ҳаёт нафасини пуфлаб, сизларни тирилтираман. Ўшанда Эгангиз Мен
эканлигимни билиб оласизлар.”
7 Эгамиз менга амр қилганидай, мен Унинг бу сўзларини башорат қилиб
айтдим. Башорат қилаётганимда бирданига қулоғимга тарақ–туруқ овозлар
чалинди, суяклар бирлаша бошлади. 8 Қарасам, суяклар паю мушаклар билан
қопланди, сўнг устиларига тери тортилди. Бироқ таналарда ҳануз нафас йўқ эди.
9 Эгамиз менга шундай деди:
— Энди шамолга* шундай буйруқ бер: “Эй шамол, Эгамиз Раббий айтмоқда:
ҳар томондан эсиб, бу ўлик таналарга ҳаёт нафасини пуфла, уларни тирилтир.”
10 Мен Эгамизнинг айтганини қилдим. Шамол таналарнинг ичига кириб,
одамларни тирилтирди. Улар турганларида буюк бир оломонни ташкил
қилишди.
11 Кейин Эгамиз менга шундай деди:
— Эй инсон, бутун Исроил халқи мана шу суякларга ўхшайди. Улар:
“Суякларимиз қуриб кетди, келажакдан ҳеч қандай умид йўқ”, деб нола
қилишади. 12 Шунинг учун халқимга башорат қилиб айт: “Эгамиз Раббий шундай
демоқда: «Эй халқим Исроил, Мен қабрларингизни* очиб, сизларни у ердан
чиқараман. Сўнг сизларни ўз юртингиз — Исроилга қайтариб олиб бораман.
13 Ўшанда сизлар Эгангиз Мен эканлигимни билиб оласизлар. 14 Менинг Руҳим*
сизларга ҳаёт нафасини пуфлаб, сизларни тирилтиради. Мен сизларни она
юртингизга олиб бориб, у ерда ўрнаштираман. Ўшанда Мен, Эгангиз, айтган
гапларимни амалга оширганимни сизлар билиб оласизлар.» Эгамизнинг каломи
шудир.”

Яҳудо билан Исроил бир шоҳлик бўлади

15 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 16 “Эй инсон, бир таёқ олиб, унинг устига
«Яҳудо шоҳлиги»* деб ёз. Сўнг бошқа бир таёқ олиб, унинг устига «Исроил
шоҳлиги»* деб ёз. 17 Кейин иккала таёқнинг учларини бир қўлингда шундай
қилиб ушлагинки, улар бир таёқдай бўлиб кўринсин. 18 Одамлар сендан: «Бу
билан бизга нима демоқчисан?» деб сўраганларида, 19 уларга шундай деб жавоб
бер: «Эгамиз Раббий демоқда: Мен Исроил шоҳлигини билдирувчи таёқни*
оламан. Уни Яҳудо шоҳлигининг таёғи билан бирлаштираман. Иккала таёқни
битта қилиб, қўлимда ушлайман.»
20 Қўлингдаги таёқларни ҳамма кўрадиган бўлсин, 21 сўнг халққа айт: «Эгамиз
Раббий шундай демоқда: Мен ҳар ёққа тарқалиб кетган халқимни ўзга халқлар

орасидан йиғиб оламан. Уларни ўз юртларига олиб келаман. 22 Уларни ўша юртда ягона бир халқ қиламан. Ҳа, Исроил тоғларида улардан ягона давлат яратаман. Устиларидан бир шоҳ тайинлайман, улар ҳеч қачон икки шоҳликка ажралмайдилар. 23 Бутлар ва макруҳ худолар туфайли ўзларини булғамайдилар, гуноҳдан ўзларини пок сақлайдилар. Мен уларни садоқатсизлик айбидан халос этаман*. Дилларини поклаб тозалайман. Шунда улар Менинг халқим бўлади, Мен эса уларнинг Худоси бўламан.

24 Қулим Довуд уларнинг шоҳи бўлади. Ҳа, ҳаммасини бир чўпон бошқаради. Улар қонун–қоидаларимга риоя қилиб, фармонларимни битта қолдирмай бажаришади. 25 Мен қулим Ёқубга берган ерда улар яшайдилар, аждодлари ўтган юртда истиқомат қиладилар. Бола–чақалари ва бутун авлоди ўша юртда абадий ўрнашади. Қулим Довуднинг сулоласи уларга то абад ҳукмронлик қилади. 26 Мен улар билан тинчлик аҳдини тузаман. Бу мангу бир аҳд бўлади. Мен уларга барака бераман, кўпайтираман. Маъбадимни уларнинг орасида абадий ўрнаштираман. 27 Улар орасида маскан қураман, Мен уларнинг Худоси, улар эса Менинг халқим бўладилар. 28 Мен масканимни улар орасида абадий ўрнаштирганимда, Исроил халқини муқаддас қиладиган Эгаси Мен эканлигимни халқлар билиб оладилар.»”

38–БОБ

Ҳукмдор Гўг Исроилга ҳужум қилади

1 Эгамиз менга Ўз сўзини аён қилди: 2 “Эй инсон, Магўг юртидаги Мешех ва Тувал* халқларининг бош ҳукмдори* Гўгга юзлан. Унга қарши башорат қилиб 3 айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Мешех ва Тувал халқларининг бош ҳукмдори Гўг, Мен сенга қаршиман! 4 Мен сени орқага қайтараман, жағларингга илмоқлар соламан. Сени ва бутун лашкарингни, отлару отлиқларингни, тиш–тирноғигача қуролланган аскарларингни, улкан бир оломонни, катта ва кичик қалқон ушлаб, қилич ўйнатган жангчиларингни судраб чиқараман. 5 Сенинг сафингга Форслар, Ҳабашистонликлар ва Ливияликларнинг* қуролланган жангчилари қўшилади. 6 Гўмер халқининг* ва шимолдаги Тўхармо юртининг* барча лашкари сенга эргашади. Сенинг лашкарларинг ниҳоятда кўпдир.

7 Қани, тайёрлан! Атрофингдаги лашкарларни жангга шай қил! Сен уларни бошлаб борасан. 8 Йиллар ўтиб, жангга отланасан. Урушдан кейин ўзини тиклаб олган бир юртга сен бостириб борасан. Узоқ вақт давомида ташландиқ бўлиб ётган бу юртга, турли халқлардан Исроил тоғларига келиб ўрнашган одамларга ҳужум қиласан. Уларнинг ҳаммаси осойишта турмуш кечираётган бўлади. 9 Аммо сен довулдек уларга ёпириласан. Сен, лашкаринг ва сенга эргашиб келган кўп халқлар юртни булут каби қоплаб оласизлар.

10 Эгамиз Раббий шундай демоқда: эй Гўг, ўша куни сен ёмон хаёлларга бериласан, ёвуз режалар туза бошлайсан. 11 Сен шундай айтасан: ‘Мен девор билан ўралмаган қишлоқларга бостириб бораман. Хотиржам яшаётган одамларга ҳужум қиламан. Уларнинг на деворлари бор, на дарвозаси, на тамбаси бор.’ 12 Сен хароб шаҳарларни тиклаган одамларни талон–тарож қиласан. Бу одамлар турли халқлардан йиғилган, чорва кўпайтириб, дунё орттирган, жаҳон чорраҳасида* жойлашиб олишган. 13 Шунда Шава ва Дедон* халқлари ҳамда Таршиш* савдогарларию зодагонлари* сендан сўрайдилар: ‘Сен ҳали ўлжа олгани келдингми? Талон–тарож қилгани, олтину кумуш олиб кетгани, чорваю бойликни тортиб олгани, қўлга беҳад ўлжа киритгани бир тўда қўшин тортиб келдингми?’»

14 Эй инсон, Гўгга башорат қилиб айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: сен
халқим Исроилнинг хотиржам яшаганини кўриб, 15 шимолдаги олис юртингдан
кўп халқларни эргаштириб келасан. Ҳа, бу чексиз отлиқ лашкарни, бир тўда буюк
қўшинни тортиб келасан. 16 Ер юзини қоплаган булут каби, халқим Исроилни
босиб оласан. Эй Гўг, келажакда Мен сени юртимга ҳужум қилгани юбораман. Сен
орқали халқларга муқаддаслигимни аён қилиб, Ўзимни танитаман.

Худо Гўгни жазолайди

17 Эгамиз Раббий шундай демоқда: Ўз қулларим — пайғамбарларим орқали
Мен халқимни огоҳлантириб келганман. Келажакда уларга қарши бир душман
юборишимни олдиндан айтганман. Эй Гўг, ўша душман сенсан. 18 Исроил юртига
ҳужум қилган кунинг, Мен ғазабга миниб оламан! — деб айтмоқда Эгамиз Раббий.
19 — Рашку ғазабда эълон қиламанки, ўша куни Исроил юртида даҳшатли зилзила
бўлади. 20 Ер юзидаги барча жонзот — денгиздаги балиқлару кўкдаги қушлар,
ёввойи ҳайвонлару судралувчилар, ҳамма одамлар Менинг ҳузуримда титрайди.
Тоғлар ағдарилиб тушади, қоялар парчаланиб кетади, ҳамма деворлар ўпирилиб
тушади. 21 Мен ҳамма Исроил тоғларида сенга қарши қилич ҳозирлайман, — деб
айтмоқда Эгамиз Раббий. — Лашкарларинг бир–бирига ҳамла қилади. 22 Мен
ўлату қотилликлар орқали сени жазолайман. Сенинг, лашкарингнинг, сенга
эргашиб келган кўп халқларнинг устига оловли олтингугурт, жала ва дўл
ёғдираман. 23 Дунёдаги кўплаб халқларга Ўзимнинг улуғворлигим ва
муқаддаслигимни намоён қиламан, уларга Ўзимни танитаман. Ўшанда барча
халқларнинг Эгаси Мен эканлигимни улар билиб оладилар.»”

39–БОБ

Гўгнинг мағлубияти

1 Эгамиз менга деди: “Эй инсон, Гўгга қарши башорат қилиб айт: «Эгамиз
Раббий шундай демоқда: эй Мешех ва Тувалнинг бош ҳукмдори* Гўг, Мен сенга
қаршиман! 2 Мен сени орқага қайтариб, судраб келаман. Сени узоқ шимолдан
олиб чиқиб, Исроил тоғларига олиб келаман. 3 Чап қўлингдаги ёйинг ва ўнг
қўлингдаги ўқларингни уриб тушираман. 4 Сен Исроил тоғларида жон берасан!
Сенинг ҳамма лашкарларинг ва сенга эргашиб келган халқлар у ерда ҳалок
бўлишади. Уларнинг жасадлари турли йиртқич қушларга ва ёввойи ҳайвонларга
ўлжа бўлади. 5 Сен очиқ майдонда ўласан. Буни Мен айтдим. 6 Мен Магўг устига ва
денгиз қирғоғида осойишта ҳаёт кечираётган барча халқлар устига олов
ёғдираман. Ўшанда барча халқларнинг Эгаси Мен эканлигимни улар билиб
оладилар.»

7 Эй инсон, Мен Ўз муқаддаслигимни халқим Исроилга аён қиламан. Мени
бадном қилишларига энди йўл қўймайман. Шунда барча халқлар Мен, Исроил
халқининг Худосини муқаддас деб биладилар, уларнинг Эгаси Мен эканлигимни
билиб оладилар. 8 Мен айтган ўша кун албатта келади, — деб айтмоқда Эгамиз
Раббий. — 9 Шунда Исроил халқи шаҳарлардан чиқиб, мағлуб бўлган ёвнинг
қурол–аслаҳаларини йиғади. Улар йиғиб олган каттаю кичик қалқонларни, ёй ва
ўқларни, таёқ ва найзаларни ёқишади. Етти йил давомида уларни ўтин ўрнига
ишлатишади. 10 Ўтин йиғиш, ўрмонда дарахт кесишга эҳтиёж қолмайди, чунки бу
қурол–аслаҳалар халқим учун ёқилғи бўлади. Шу тариқа Исроил халқи ўз
талончиларидан ўч олади.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

Гўг дафн қилинади

11 Эгамиз менга деди: “Эй инсон, бу ҳодисалар рўй берган куни Гўг ва унинг
тўдаси учун Мен бир қабристон ҳозирлайман. Бу қабристон Ўлик денгизнинг
шарқ томонидаги Сайёҳлар водийсида жойлашган бўлади. У сайёҳларнинг
йўлини тўсиб қўяди. Шунинг учун сайёҳлар ўша водийнинг номини ўзгартириб,
уни «Гўг тўдасининг водийси» деб атайдиган бўлишади. 12 Исроил халқи етти ой
мобайнида жасадларни кўмиб, ўз юртини поклайди. 13 Бутун юрт аҳолиси
жасадларни кўмади. Шу қилганлари учун Мен улуғворлигимни намоён қилган
кунда улар юксак обрўга эришади, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 14 — Етти ой
ўтгач, юртни поклайдиган махсус одамлар тайинланади. Улар юртни кезиб,
кўмилмай қолиб кетган жасадларни кўмадилар. 15 Улар юртни кезиб
юрганларида топилган ҳар бир суяк олдига белги қўядилар. Гўрковлар бу
суякларни йиғиб олиб, «Гўг тўдасининг водийси»га кўмадилар. 16 Қабристон
ёнидаги шаҳарнинг номи ҳам Тўда бўлади. Шундай қилиб, улар юртни
поклайдилар.

17 Эй инсон, турли хил қушларни ва ҳамма ёввойи ҳайвонларни йиғиб, уларга
шундай деб айт: «Эгамиз Раббий демоқда: қани, келинглар! Мен сизлар учун
қурбонлик ҳозирлайман, Исроил тоғларида катта зиёфат уюштираман. Сизлар
тўйгунингизча гўштдан еб, қондан ичасизлар. 18 Башан ўлкасида семиртирилган
қўчқор, қўзичоқ, эчки ва буқалар бўғизлангандай, баҳодир жангчилару жаҳон
ҳукмдорлари қурбон қилинади. Сизлар уларнинг таналарини еб, қонини
ичасизлар. 19 Мен сизлар учун уюштирадиган бу зиёфатда сизлар тўйгунингизча
ёғдан ейсизлар, маст бўлгунингизча қондан ичасизлар. 20 Сизлар Менинг
дастурхонимдан хоҳлаганингизча от ва отлиқларнинг гўштидан, сипоҳ ва турли
хил жангчиларнинг гўштидан тановул қиласизлар. Эгамиз Раббийнинг каломи
шудир.»

Исроил тикланади

21 Мен Ўз улуғворлигимни халқлар орасида намоён қиламан. Халқларни
жазолаб, уларга Ўз қудратимни кўрсатаман. 22 Ўша кундан бошлаб, Исроил халқи
Эгаси Худо Мен эканлигимни билади. 23 Исроил халқи гуноҳ қилиб, Менга хиёнат
қилгани учун, Мен уларни бегона юртларга сургун қилганимни бошқа халқлар
тушуниб олишади. Халқимнинг бу қилмиши учун Мен улардан юз ўгириб,
душманларнинг қўлига топширган эдим, қирилиб кетишларига тўсқинлик
қилмадим. 24 Мен улардан юз ўгирдим, бузуқлиги ва қилган гуноҳларига яраша
жазосини бердим.”

25 Эгамиз Раббий шундай демоқда: “Мана энди Мен Ёқуб наслини яна
фаровонликка эриштираман*. Бутун Исроил халқига шафқат кўрсатаман.
Обрўйим тўкилишига йўл қўймайман! 26 Улар ўз юртига қайтиб келганларидан
кейин ўтмишдаги шармандагарчилиги ва Менга қилган хиёнатига иқрор
бўладилар. Улар тинч яшайдилар, ҳеч ким уларга таҳдид қилмайди. 27 Мен уларни
ғанимларнинг юртларидан олиб чиққанимда, халқлар муқаддаслигимни
кўришади. 28 Эгаси Худо Мен эканлигимни халқим билиб олади. Гарчи Мен уларни
ўзга юртларга тарқатиб юборган бўлсам–да, уларни она юртига қайтариб олиб
келаман. Халқимдан биронтаси ҳам бегона юртда қолиб кетмайди. 29 Мен халқим
Исроил устига Ўз Руҳимдан ёғдираман, энди улардан юз ўгирмайман.” Эгамиз
Раббийнинг каломи шудир.

40–БОБ

Маъбад ҳақида ваҳий

1 Сургун бўлган пайтимизнинг йигирма бешинчи йили биринчи ойининг*
ўнинчи кунида Қуддус қулаганига ўн тўрт йил бўлган эди. Ўша куни Эгамизнинг
қудрати мени қамраб олиб, кўтариб кетди. 2 Ваҳийда Худо мени Исроил юртига
олиб бориб, жуда баланд бир тоғнинг устига турғизиб қўйди. У ердан мен жануб
томонда жойлашган шаҳарга ўхшаш бир нечта бинони кўрдим. 3 Худо мени ўша
ерга яқинроқ олиб борганда, мен дарвоза ёнида турган бир одамни кўриб қолдим.
Ўша одамнинг бутун вужуди ярқироқ мисдай товланиб турар эди. Унинг қўлида
ўлчов асбобларидан зиғир арқон ва чизғич бор эди. 4 У менга шундай деди: “Эй
инсон, мен сенга кўрсатадиган ҳамма нарсага яхшилаб эътибор бер, сен шу
сабабдан бу ерга келтирилгансан. Яхшилаб қулоқ сол, чунки сен кўрганларингни
Исроил халқига айтиб беришинг керак.”

Шарқий дарвоза биноси

5 Мен Маъбад ҳовлисини ўраб турган бир деворни кўрдим. Дарвоза ёнида
турган ўша одам чизғичи билан деворни ўлчади. Чизғичининг узунлиги олти
узун тирсак бўлиб, ҳар бир узун тирсак бир тирсагу тўрт энли эди*. Деворнинг
қалинлиги олти тирсак, баландлиги ҳам олти тирсак чиқди. 6 Сўнг у шарқий
дарвоза биносининг олдига борди. Зиналардан тепага кўтарилиб, остонани
ўлчади. Остона икки ён деворининг қалинлиги олти тирсак чиқди. 7 Остонадан
йўлак бошланар эди. Йўлакнинг икки томонида соқчилар учун махсус қурилган
учтадан хона бор эди. Хоналарнинг эни ва узунлиги бир хил — олти тирсакдан
эди. Хоналарни ажратиб турган деворларнинг қалинлиги эса беш тирсак эди.
Йўлакнинг охирида даҳлиз остонаси бор эди. Даҳлиз остонасининг икки ён
девори олти тирсак қалинликда эди. 8 Сўнг ўша одам даҳлизни ўлчади.
9 Даҳлизнинг эни саккиз тирсак эди. Даҳлиз эшигининг икки ён деворлари икки
тирсак қалинликда эди. Бу даҳлиз дарвоза биносининг ички тарафида,
Маъбаднинг рўпарасида жойлашган эди. 10 Йўлакнинг икки томонидаги ўша
соқчилар хоналари бир хил катталикда, орасидаги деворлар ҳам бир хил
қалинликда эди. 11 Сўнг ўша одам дарвоза биносининг остонасини ўлчади.
Остонанинг эни ўн тирсак чиқди. Йўлакнинг эни эса ўн уч тирсак чиқди. 12 Ҳар
бир хонанинг олдида баландлиги ва эни бир тирсак бўлган пастак девор бор эди.
(Хоналарнинг узунлиги ва эни олти тирсакдан эди.) 13 Сўнгра ўша одам дарвоза
биносининг шифтини кўндалангига, бир хонанинг орқа деворидан тортиб,
рўпарадаги хонанинг орқа деворигача ўлчади. Шифтнинг эни 25 тирсак чиқди.
14 Кейин у даҳлиз эшигининг икки ён деворини ўлчади. Деворнинг баландлиги 60
тирсак чиқди. Дарвоза биносининг атрофи ҳовли эди. 15 Дарвоза биносининг
узунлиги, дарвозадан тортиб, то ичкаридаги даҳлизгача 50 тирсак эди.
16 Хоналарнинг учала деворида панжарали туйнуклар бор эди. Даҳлизда ҳам
панжарали туйнуклар бор эди. Даҳлиз эшиги ён деворларига пальма дарахтининг
тасвирлари туширилган эди.

Ташқи ҳовли

17 Ўша одам мени дарвоза орқали Маъбаднинг ташқи ҳовлисига олиб кирди.
Ҳовлининг девори бўйлаб ўттизта ҳужра* қурилган эди. Ҳужраларнинг олд
томонида тош ётқизилган бир йўл бор эди. 18 Бу йўл паст йўл ҳисобланар эди.
Унинг эни 50 тирсак эди. 19 Сўнг мен ички ҳовлига олиб кирадиган дарвоза
биносини кўрдим. Ўша одам ички дарвоза биноси билан ташқи дарвоза биноси

орасидаги масофани ўлчади. Масофа 100 тирсак чиқди.

Шимолий дарвоза биноси

20 Сўнг ўша одам ташқи ҳовлининг шимолий дарвоза биносини ўлчади. 21 Бу
дарвоза биносининг икки ён томонидаги учтадан бўлган соқчилар хоналари,
даҳлиз ва ён деворларнинг ўлчамлари шарқий дарвоза биносиники билан бир
хил эди. Дарвоза биносининг узунлиги 50 тирсак, эни 25 тирсак эди.
22 Деворлардаги панжарали туйнуклар, даҳлиз ва пальма тасвирларининг
ўлчамлари шарқий дарвоза биносиники билан бир хил эди. Дарвозага етти
поғонали зина олиб борар эди. Даҳлиз дарвоза биносининг ички томонида
жойлашган эди. 23 Шимолий дарвоза биносининг рўпарасида ҳам шарқий дарвоза
биносидагидай ички ҳовлига олиб кирадиган дарвоза биноси бор эди. Ўша одам
ички дарвоза биносидан ташқи дарвоза биносигача бўлган масофани ўлчаган эди,
масофа 100 узун тирсак чиқди.

Жанубий дарвоза биноси

24 Сўнг ўша одам мени жануб томонга олиб борди. Жануб томонда ҳам дарвоза
биноси бор эди. Ўша одам дарвоза биносининг даҳлизини ва даҳлиз деворларини
ўлчади, уларнинг ўлчамлари бошқаларники билан бир хил эди. 25 Бу дарвоза
биносидаги хоналарнинг ва даҳлизнинг бошқа дарвозаларникига ўхшаган
панжарали туйнуклари бор эди. Дарвоза биносининг узунлиги 50 тирсак, эни эса
25 тирсак эди. 26 Дарвозага етти поғонали зина олиб борар эди. Даҳлиз дарвоза
биносининг ички томонида жойлашган эди. Даҳлиз эшигининг икки ён деворига
пальма дарахтининг тасвирлари туширилган эди. 27 Жануб томонда Маъбаднинг
ички ҳовлисига олиб кирадиган дарвоза биноси бор эди. Ўша одам жанубдаги
ички дарвоза биносидан ташқи дарвоза биносигача бўлган масофани ўлчади,
масофа 100 тирсак чиқди.

Ички ҳовли: жанубий дарвоза биноси

28 Сўнг ўша одам мени жанубий дарвоза орқали Маъбаднинг ички ҳовлисига
олиб кирди–да, дарвоза биносини ўлчади. Дарвоза биносининг ўлчамлари бошқа
дарвоза биноларники билан бир хил эди. 29 Дарвоза биносининг хоналари,
даҳлизи ва даҳлиз эшигининг икки ён девори бошқа дарвоза биноларникига
ўхшаган эди. Хоналарнинг ва даҳлизнинг панжарали туйнуклари бор эди. Дарвоза
биносининг узунлиги 50 тирсак, эни 25 тирсак эди. 30 Ички ҳовлига қаратилган
дарвоза биноларининг даҳлизлари бир хил эди. Уларнинг узунлиги 25 тирсак,
эни 5 тирсак эди. 31 Даҳлиз орқали Маъбаднинг ташқи ҳовлисига чиқилар эди.
Даҳлиз эшигининг икки ён деворига пальма дарахтининг тасвирлари
туширилган эди. Дарвозага саккиз поғонали зинапоя олиб борар эди.

Ички ҳовли: шарқий дарвоза биноси

32 Сўнг ўша одам мени шарқий дарвоза орқали Маъбаднинг ички ҳовлисига
олиб кирди–да, дарвоза биносини ўлчади. Дарвоза биносининг ўлчамлари бошқа
дарвоза биноларники билан бир хил эди. 33 Дарвоза биносининг хоналари,
даҳлизи ва даҳлиз эшигининг ён деворлари бошқа дарвозаларникига ўхшаган
эди. Хоналарнинг ва даҳлизнинг панжарали туйнуклари бор эди. Дарвоза
биносининг узунлиги 50 тирсак, эни 25 тирсак эди. 34 Даҳлиз орқали Маъбаднинг
ташқи ҳовлисига чиқилар эди. Даҳлиз эшигининг икки ён деворига пальма
дарахтининг тасвирлари туширилган эди. Дарвоза биносига саккиз поғонали
зинапоя олиб борар эди.

Ички ҳовли: шимолий дарвоза биноси

35 Сўнг ўша одам мени шимолий дарвоза олдига олиб бориб, дарвоза биносини
ўлчади. Дарвоза биносининг ўлчамлари бошқа дарвоза биноларники билан бир
хил эди. 36 Дарвоза биносининг хоналари, даҳлизи ва даҳлиз эшигининг ён
деворлари бошқа дарвоза биноларникига ўхшаган эди. Хоналар ва даҳлизнинг
панжарали туйнуклари бор эди. Дарвоза биносининг узунлиги 50 тирсак, эни 25
тирсак эди. 37 Даҳлиз орқали Маъбаднинг ташқи ҳовлисига чиқилар эди. Даҳлиз
эшигининг икки ён деворига пальма дарахтининг тасвирлари туширилган эди.
Дарвозага саккиз поғонали зинапоя олиб борар эди.

Шимолий дарвоза биноси ёнида қурилган иморатлар

38 Шимол томондаги ички дарвозанинг даҳлизи ёнида бир хона бор эди. Бу
хонага даҳлиз орқали кирилар эди. Қурбонлик учун бўғизланган ҳайвонлар шу
хонада ювилар эди. 39 Даҳлизнинг ўзида тўртта хонтахта бор эди. Хонтахтанинг
иккитаси даҳлизнинг бир чеккасида, қолган иккитаси даҳлизнинг бошқа
чеккасида турар эди. Бу хонтахталарнинг устида куйдириладиган қурбонлик,
гуноҳ қурбонлиги* ва айб қурбонлиги* учун ҳайвонлар бўғизланар эди. 40 Ташқи
ҳовлида яна тўртта хонтахта бор эди. Хонтахтанинг иккитаси дарвоза
зинапоясининг бир томонида, бошқа иккитаси зинапоянинг бошқа томонида
турар эди. 41 Ҳаммаси бўлиб саккизта хонтахта бор эди. Тўртта хонтахта
даҳлизнинг ичида, яна тўрттаси дарвозанинг ташқарисида турар эди. Бу
хонтахталарнинг устида ҳайвонлар бўғизланар эди. 42 Куйдириладиган
қурбонликлар учун яна тўртта хонтахта бор эди. Бу хонтахталар йўнилган
тошдан ясалган бўлиб, уларнинг узунлиги ва эни бир ярим тирсак, бўйи бир
тирсак эди. Бу хонтахталар устига қурбонликларни сўйишда ишлатиладиган
асбоблар қўйилар эди. 43 Даҳлиз деворларига узунлиги тўрт энли бўлган илгаклар
қоқилган эди. Ҳайвонларнинг гўшти эса хонтахталар устига қўйилар эди.

Руҳонийларнинг хоналари

44 Ички ҳовлида иккита хона қурилган эди*. Хоналарнинг биттаси шимолий
дарвоза ёнида жануб томонга қаратиб қурилган эди. Иккинчиси эса жанубий*
дарвоза ёнида шимол томонга қаратиб қурилган эди. 45 Ўлчаётган одам менга
шундай деди: “Шимолий дарвоза ёнидаги хона Маъбад учун масъул бўлган
руҳонийларга мўлжаллаб қурилган. 46 Жанубий дарвоза ёнидаги хона эса
қурбонгоҳ ёнида хизмат қиладиган руҳонийлар учун мўлжаллаб қурилган. Ҳамма
руҳонийлар Зодўх авлодидан эди. Леви қабиласидан фақат Зодўх авлодлари
Эгамизнинг ҳузурида хизмат қилишга ҳақлидир.”

Ички ҳовли ва Маъбад

47 Сўнг ўша одам ички ҳовлини ўлчади. Ҳовли тўртбурчак шаклда, узунлиги ва
эни 100 тирсакдан эди. Қурбонгоҳ Маъбаднинг олд тарафида эди.
48 Кейин у одам мени Маъбад айвонига олиб кириб, айвон остонасининг ён
деворларини ўлчади. Ён деворларнинг қалинлиги 5 тирсак чиқди. Остонанинг
эни 14 тирсак, остона ён деворларининг узунлиги 3 тирсак чиқди*. 49 Айвоннинг
узунлиги 20 тирсак, эни 12 тирсак эди. Айвонга ўн поғонали зинапоя олиб борар
эди*. Айвон остонасининг икки ён томонида биттадан устун бор эди.

41–БОБ

Маъбад биноси

1 Кейин ўша одам* мени Маъбаднинг асосий хонасига* олиб кирди. У асосий

хона эшигининг икки ён деворини ўлчади. Ён деворларнинг қалинлиги 6 тирсак* чиқди. 2 Остонанинг эни 10 тирсак, остона икки ён деворларининг узунлиги 5 тирсакдан чиқди. Сўнгра ўша одам асосий хонани ўлчади. Хонанинг узунлиги 40 тирсак, эни 20 тирсак чиқди. 3 Кейин у асосий хонадан Маъбаднинг ички хонасига кириб, ички хона эшигининг ён деворларини ўлчади. Ён деворларнинг қалинлиги 2 тирсак чиқди. Остонанинг эни 6 тирсак, остона икки ён деворларининг узунлиги эса 7 тирсакдан чиқди. 4 Ўша одам ички хонани ҳам ўлчади. Ички хонанинг узунлиги билан эни бир хил — 20 тирсакдан чиқди. У менга: “Бу Энг муқаддас хона”, деб тушунтирди.

Маъбаддаги ён хоналар

5 Сўнг ўша одам Маъбад деворини ўлчади. Деворнинг эни 6 тирсак чиқди. Маъбаднинг ташқи деворига тақаб ён хоналар қурилган эди. Хоналарнинг узунлиги 7 тирсак эди. 6 Хоналар уч қават қилиб қурилган бўлиб, ҳар бир қаватда ўттизтадан хона бор эди. Маъбаднинг деворлари уч поғонали зина шаклида бўлиб, хоналарга таянч бўлиб хизмат қилар эди. Шу сабабдан Маъбад деворларининг ўзи бутун эди. 7 Маъбад деворининг қуйи қисми юқори қисмига нисбатан қалинроқ бўлгани учун тепадаги хоналар кенгроқ эди. Зинапоя орқали пастки қаватдан иккинчи қаватга, сўнг учинчи қаватга чиқилар эди. 8 Мен Маъбад атрофида баландлиги 6 тирсак бўлган пойдевор борлигини ҳам кўрдим. Ён хоналар мана шу пойдевор устига қурилган эди. 9 Ён хоналарнинг ташқи девори 5 тирсак қалинликда эди. Ён хоналар ва 10 ички ҳовлининг девори бўйлаб қурилган ҳужралар орасидаги масофа 20 тирсак эди. Маъбаднинг гир айланаси ҳовли эди. 11 Ён хоналарга иккита эшик орқали кирилар эди. Бир эшик шимол томонда, бошқаси жануб томонда жойлашган эди. Ён хоналар теварагида бўш қолган жойнинг эни 5 тирсак эди.

Ғарб томондаги иморат

12 Маъбад ҳовлисининг ғарб томонида катта бир иморат бор эди. Иморатнинг эни 70 тирсак, узунлиги 90 тирсак, деворларнинг қалинлиги 5 тирсак эди.

Маъбад мажмуасининг умумий ўлчамлари

13 Ўша одам Маъбаднинг узунлигини ўлчади. Маъбаднинг узунлиги 100 тирсак чиқди. Сўнг у Маъбаднинг орқа деворидан ғарбдаги иморатнинг орқа деворигача бўлган масофани ўлчади, масофа 100 тирсак чиқди. 14 Маъбаднинг олд томонидаги, яъни шарқ томондаги ҳовлининг эни ҳам 100 тирсак чиқди.

15 Сўнгра у одам ҳовлининг ғарбида жойлашган иморатнинг узунлигини ўлчади. Иморат ва унинг икки ён томонидаги хоналарнинг узунлиги 100 тирсак чиқди.

Маъбаднинг икир–чикирлари

Маъбаднинг айвони, асосий хонаси ва ички хонаси 16 ердан деразаларгача ёғоч билан қопланган эди. Маъбаднинг остоналари, панжарали деразалари ва ён хоналари ёғоч билан пардоз қилинган эди. 17 Маъбаднинг ичкаридаги ҳамма деворларига, эшикларнинг тепаларигача ўйма нақшлар солинганди. 18 Ҳамма деворларга карубларнинг суратлари ўйилган эди. Карубларнинг орасига пальма дарахтининг суратлари ҳам ўйилганди. Ҳар бир карубнинг иккитадан юзи бор эди. 19 Карубнинг инсон юзига ўхшаган юзи бир томондаги пальма дарахтига, шер юзига ўхшаган бошқа бир юзи бошқа томондаги пальма дарахтига қаратилган эди. Бундай суратлар Маъбаднинг ички деворининг гир айланасига, 20 ердан эшиклар устидаги деворларгача ўйилган эди. 21 Асосий хона эшигининг кесакиси*

тўртбурчак шаклида ясалган эди.

Ёғоч қурбонгоҳ

Энг муқаддас хонанинг рўпарасида [22] қурбонгоҳга ўхшаш бир нарса бор эди. Унинг бўйи 3 тирсак, узунлиги ва эни 2 тирсак эди. Бурчаклари, асоси ва ён томонлари ёғочдан ясалган эди. Ўша одам менга шундай деди: “Бу Эгамиз ҳузурида турадиган хонтахтадир.”

Эшиклар

[23] Асосий хонанинг ва Энг муқаддас хонанинг* эшиклари бор эди.
[24] Эшикларнинг ҳар бири икки тавақали, йиғма эди. [25] Асосий хона эшикларининг юзасига девордагидай карублар ва пальма дарахтларининг суратлари ўйилган эди. Маъбад айвонининг олди томонига ёғоч бостирма қурилган эди. [26] Айвон ён деворларининг панжарали деразалари бор эди. Деворларга пальма дарахтининг суратлари ўйилган эди. Маъбаддаги ён хоналарнинг кираверишига ёғоч бостирмалар қурилганди.

42–БОБ

Руҳонийларнинг муқаддас хоналари

[1] Сўнг ўша одам* мени ташқи ҳовлига олиб чиқиб, Маъбаднинг шимолидаги бир қатор хоналар олдига олиб борди. Бу хоналар Маъбаднинг ғарб томонидаги иморатга яқин жойлашган эди. [2] Уларнинг шимол томонидаги умумий узунлиги 100 тирсак*, эни 50 тирсак эди. [3] Хоналар бир томони билан эни 20 тирсак бўлган ички ҳовлининг очиқ жойига*, иккинчи томони билан Маъбаднинг тош ётқизилган ташқи ҳовлисига* қараб турарди. Хоналар уч қават қилиб қурилган эди. [4] Хоналарнинг ички ҳовли томонида бир кенг йўлак бор эди. Бу йўлакнинг эни 10 тирсак, узунлиги 100 тирсак* эди. Аммо хоналарнинг эшиклари шимол томонга очилар эди. [5] Учинчи қаватдаги хоналар, иккинчи қаватдагиларга, иккинчи қаватдаги хоналар эса биринчи қаватдагиларга қараганда торроқ эди. Шунинг ҳисобига юқори қаватдаги айвонлар кенгроқ эди. [6] Қуйи қаватдаги хоналар юқори қаватдаги хоналарга таянч бўлиб хизмат қилар эди. Шу сабабдан бу иншоот қурилмасида Маъбад ҳовлисидаги бошқа бинолардан фарқли равишда устунлардан фойдаланилмаган. [7] Бу хоналарни ташқи ҳовлидан девор ажратиб турар эди. Узунлиги 50 тирсак бўлган бу девор ташқи ҳовлидаги ҳужраларнинг давомига қурилган эди. [8] Ташқи ҳовлидаги ҳужраларнинг узунлиги 50 тирсак, ички ҳовлидаги бу хоналарнинг узунлиги эса 100 тирсак эди. [9] Бу хоналарга ташқи ҳовлидан кириш учун шарқдаги кираверишдан фойдаланилган. [10] Бу кираверишҳовлининг девори бошланган жойда эди.

Жанубда* ҳам очиқ жой ва хоналар бор эди, бу хоналар иморат рўпарасида эди. [11] Бу хоналарнинг олд томонида йўлакчаси бор эди. Хоналарнинг ҳажми, эшиклари, тузилиши ва кириш жойлари шимол томондаги хоналарники билан бир хил эди. [12] Бу хоналарга шарқ томондан ўша йўлакча орқали кирилар эди. Йўлакнинг бир томони девор эди.

[13] У одам менга шундай деди: “Маъбаднинг шимол ва жануб томонига қурилган бу хоналар муқаддасдир. Бу хоналарда Эгамизнинг ҳузурига кирадиган руҳонийлар энг муқаддас назрларни тановул қиладилар. Дон назри, гуноҳ қурбонликлари ва айб қурбонликлари бу хоналарга қўйилади, чунки бу хоналар муқаддасдир. [14] Руҳонийлар Маъбадда хизмат қилиб бўлганларидан кейин, муқаддас либосларини бу хоналарда ечиб, бошқа кийим кийиб олишлари керак.

Шундан кейингина ташқи ҳовлига — одамларнинг олдига чиқишлари мумкин.”

Маъбад ҳудудининг ўлчамлари

15 Ўша одам Маъбад ҳовлисидаги биноларни ўлчаб бўлгандан сўнг, мени
шарқий дарвоза орқали ташқарига олиб чиқиб, Маъбад ҳовлисининг атрофидаги
деворни ўлчай бошлади. 16 У чизғичи билан деворнинг шарқ томонини ўлчади,
деворнинг узунлиги 500 тирсак чиқди. 17-19 Сўнг деворнинг шимол, жануб ва ғарб
томонларини ўлчади. Деворнинг ҳамма томонлари 500 тирсак узунликда эди.
20 Маъбад ҳудуди тўртбурчак шаклда эди. Бу девор муқаддас жойни оддий
жойдан ажратиб турар эди.

43–БОБ

Эгамиз Маъбадга қайтиб келади

1 Ўша одам* мени шарқий дарвоза* олдига олиб борди. 2 Бирданига мен шарқ
томонда пайдо бўлган Исроил Худосининг улуғворлигини кўрдим. Худонинг
овози шовуллаган денгиз товушига ўхшар эди. Унинг улуғворлигидан замин
порлай бошлади. 3 Мен кўрган бу ваҳий, Худо Қуддусни вайрон қилиш учун
келганда ва Кавор дарёси бўйида кўрган ваҳийларимга* ўхшаб кетар эди. Мен мук
тушдим. 4 Эгамизнинг улуғворлиги шарқий дарвоза орқали Маъбадга кирди.
5 Сўнг Руҳ мени оёққа турғизиб, ички ҳовлига олиб кирди. Эгамизнинг
улуғворлиги Маъбадни тўлдирди.

6 Маъбадни ўлчаган одам ёнимда турганда, Маъбад ичидан менга бир овоз
келди. 7 Ўша овоз менга деди: “Эй инсон, бу жой Менинг тахтимдир, оёғим
остидаги пойандозимдир. Мен бу ерда, халқим Исроил орасида абадий яшайман.
Улар ва уларнинг шоҳлари энди Мени бадном қилишмайди. Улар бошқа
худоларга кўнгил боғлашмайди, ўлган шоҳларига ҳайкаллар ясашмайди. 8 Улар ўз
саройларини муқаддас Маъбадимнинг ёнгинасига қуришган эди. Мени улардан
биттагина девор ажратиб турар эди, холос. Улар қилган жирканч ишлари билан
Мени бадном қилишди. Шунинг учун Мен ғазабланиб, уларни қириб ташладим.
9 Агар энди улар бегона худолардан воз кечиб, шоҳларига ўрнатган ҳайкалларни
йўқ қилишса, Мен уларнинг орасида абадий яшайман.

10 Эй инсон, сен бориб Исроил халқига Маъбадимни тасвирлаб бер, улар
Маъбаднинг лойиҳаси билан танишиб чиқишсин. Қилган гуноҳларидан
пушаймон бўлишсин. 11 Қилмишларидан пушаймон бўлганларида сен уларга
Маъбаднинг лойиҳасини: унинг жойлашиш тартибини, кириш–чиқишларини,
тузилишини, қонун–қоидаларини батафсил тушунтириб бер. Лойиҳанинг
чизмасини уларнинг олдида чизиб, барча қонун–қоидаларини ёзиб қўй, токи
ҳаммасига риоя қилишсин. 12 Тоғ чўққисидаги Маъбад жойлашган ҳудуд муқаддас
сақлансин. Бу Маъбаднинг асосий қоидаси бўлсин.

Маъбаддаги қурбонгоҳ

13 Маъбаддаги қурбонгоҳнинг ўлчамлари узун тирсак бўйича бўлсин. Яъни ҳар
бир узун тирсак бир тирсагу тўрт энни ташкил қилиб*, ўлчамлари қуйидагича
бўлсин: қурбонгоҳ атрофидаги ариқчанинг чуқурлиги бир тирсак, эни ҳам бир
тирсак, ариқча четининг баландлиги бир қарич. 14-17 Қурбонгоҳ уч қисмдан
иборат бўлиши шарт. Ҳар бир қисм тўртбурчак шаклида бўлсин. Қурбонгоҳ қуйи
қисмининг баландлиги ариқчанинг тубидан ўлчаганда икки тирсак, ҳар бир
томонининг узунлиги ўн олти тирсак бўлсин. Иккинчи қисмининг баландлиги
тўрт тирсак, ҳар бир томонининг узунлиги ўн тўрт тирсак бўлсин. Бу қисмнинг

айланасига тарнов қилинсин. Тарновнинг эни ярим тирсак, тарнов четининг баландлиги бир тирсак бўлсин. Қурбонгоҳнинг юқори қисмида қурбонликлар куйдирилади. Бу қисмнинг баландлиги тўрт тирсак, ҳар бир томонининг узунлиги ўн икки тирсак бўлсин. Унинг тўртала бурчагидан шохлар чиқиб турсин. Қурбонгоҳга шарқ томондан, зинапоялар орқали чиқиладиган бўлсин.”

Қурбонгоҳни муқаддас қилиш маросими

18 Сўнг Эгамиз менга деди: “Эй инсон, Мен, Эгангиз Раббий, айтаманки, қурбонликларни куйдириш ва қон сепиш учун қурбонгоҳни қурганингиздан кейин қуйидаги қоидаларга риоя қилинглар: 19 Менинг ҳузуримда фақат Зодўх наслидан бўлган леви руҳонийлари хизмат қилишсин. Сен уларга гуноҳ қурбонлиги учун бир буқани бер, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 20 — Сен ўша буқанинг қонидан олиб, қурбонгоҳнинг тўртта шохига, қурбонгоҳ ўрта қисмининг тўртала бурчагига ва четларга суртиб чиқ. Шу йўсин сен қурбонгоҳни поклаб, муқаддас қиласан. 21 Буқанинг жасадини эса Маъбаддан ташқарига, махсус ажратилган жойга олиб чиқиб куйдир.

22 Кейинги куни гуноҳ қурбонлиги сифатида нуқсонсиз такани келтир. Қурбонгоҳни буқанинг қони билан қандай поклаган бўлсанг, таканинг қони билан ҳам худди шундай покла. 23 Қурбонгоҳни поклаганингдан сўнг, нуқсонсиз буқа ва қўчқорни 24 Менинг ҳузуримга келтир. Руҳонийлар бу жониворларнинг устига туз* сочиб, уларни Менга атаб қурбонлик қилиб куйдиришсин. 25 Ҳар куни, етти кун давомида бир такани гуноҳ қурбонлиги қил. Бундан ташқари, бир буқа ва бир қўчқорни қурбонлик учун келтир. Жониворлар нуқсонсиз бўлиши шарт. 26 Ўша етти кун давомида руҳонийлар қурбонгоҳни поклаб, муқаддас қилишсин. Шундай қилиб, уни Менинг хизматимга бағишласинлар. 27 Саккизинчи кундан бошлаб, улар ҳар куни ўша қурбонгоҳда тинчлик ва куйдириладиган қурбонликларини келтиришсин. Шунда Мен сизлардан мамнун бўламан.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

44–БОБ

Шарқий дарвоза биносининг вазифаси

1 Ўша одам* мени Маъбаднинг шарқ томонидаги ташқи дарвоза биноси ёнига олиб борди. Бироқ дарвоза ёпиқ эди. 2 Эгамиз менга шундай деди: “Бу дарвоза доим ёпиқ турсин, уни оча кўрманглар. Бирорта одам бу дарвозадан фойдаланмасин. Мен, Исроил халқининг Худоси — Эгангиз, бу дарвозадан кирганим учун, у ёпиқлигича қолсин. 3 Фақатгина ҳукмдорингиз шу дарвоза биносининг ичида ўтириб, Менинг ҳузуримда муқаддас таомни тановул қилиши мумкин. Дарвоза биносига у даҳлиз орқали кириб, яна ўша йўл билан чиқиб кетади.”

Маъбаднинг кириш жойига оид қоидалар

4 Сўнг ўша одам мени шимолий дарвоза орқали Маъбад олдига олиб борди. Воажабо! Эгамизнинг улуғворлиги Маъбадни тўлдирганини кўрдим! Мен мук тушдим. 5 Эгамиз менга деди: “Эй инсон, гапларимни қулоғингга қуйиб ол. Мен сенга Маъбадимнинг қонун–қоидаларини тушунтираман. Маъбадга ким кириши мумкин–у, ким кириши мумкин эмаслигини яхшилаб эслаб қол. 6 Исёнкор Исроил халқига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: жирканч ишларингизни бас қилинглар! 7 Қурбонликларнинг қони ва ёғи Менга тақдим қилинаётган пайтда, сизлар юраги ва танаси суннат қилинмаган* мусофирларни даргоҳимга олиб

кириб, Маъбадимни булғадингиз. Жирканч одатларингиз билан аҳдимни буздингиз. 8 Муқаддас назрларимга оид талабларимни бажармай, мусофирларни Маъбадимдаги хизматга тайинладингиз. 9 Эгамиз Раббий шундай демоқда: юраги ва танаси суннат қилинмаган биронта мусофир Маъбадимга кирмайди. Бу Исроил халқи орасида яшаган ҳамма мусофирларга тааллуқлидир.»”

Левилар руҳонийлик вазифасидан четлаштирилади

10 Эгамиз менга деди: “Исроил халқи ҳақ йўлдан озганда, баъзи бир левилар ҳам Мендан юз ўгириб, бутларга сиғина бошлаган эдилар. Бунинг учун Мен уларни жазосиз қолдирмайман. 11 Улар Маъбадимда хизмат қилаверадилар: дарвозабонлар бўладилар, Маъбад ичида хизмат қиладилар. Куйдириладиган ва бошқа қурбонликлар учун келтирилган ҳайвонларни сўядилар, Маъбадга келган одамларга хизмат қиладилар. 12 Аммо улар бутларга сажда қилган Исроил халқига хизмат қилиб, халқни гуноҳга ботирганлари учун, Мен, Эгангиз Раббий, қасам ичиб айтаманки, улар ўз жазосини тортадилар. 13 Мен уларни руҳонийликдан четлаштираман. Улар энди на ҳузуримга кирадилар, на муқаддас нарсаларимга, на энг муқаддас назрларимга қўл теккизадилар. Жирканч одатлари учун тортадиган жазоси шу бўлади, улар иснодга қоладилар. 14 Шунга қарамай, Маъбаддаги ҳамма юмушларни бажараверадилар.

Руҳонийлар

15 Исроил халқи Мендан юз ўгирганда, Зодўх наслидан бўлган леви руҳонийлари Маъбадимдаги хизматларини садоқат билан бажариб келдилар. Шундай экан, улар доимо Менинг хизматимда бўладилар. Ҳузуримда туриб, қурбонликларнинг қонини ва ёғини Менга тақдим қиладилар, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. 16 — Маъбадимга кирадиган, дастурхоним ёнига бориб, Менга хизмат қиладиган ўшалардир. Улар Менинг талабларимни бажаришлари шарт.

17 Руҳонийлар Маъбаднинг ички ҳовлисига кирганларида эгниларига зиғир матосидан тикилган либосларни кийиб олишсин. Маъбад ичкарисида ёки ички ҳовлида хизмат қилганларида устиларида биронта жунли кийим бўлмасин. 18 Бошларига зиғир салла ўраб, ичларидан зиғир иштон кийиб олишсин. Терлатадиган бирорта кийим кийишмасин. 19 Ташқи ҳовлига, халойиқ олдига чиқишларидан олдин хизмат вақтида кийган кийимларини ечиб, муқаддас ҳужраларда қолдиришсин. Устиларига бошқа кийимларни кийиб олишсин, токи халқ муқаддас кийимларга қўл теккизмасин*.

20 Руҳонийлар сочларини ўз вақтида калталатиб туришсин. Соч қирдириш ва соч ўстириш уларга ман этилган. 21 Ички ҳовлига киришларидан олдин шароб ичишмасин. 22 Бева ёки эридан ажрашган аёлга уйланишмасин. Ўз никоҳига фақат Исроил халқидан бўлган бокира қизни ёки бошқа руҳонийнинг бевасини олишсин.

23 Руҳонийлар халқимга муқаддас ва оддий нарсанинг фарқини, ҳалол билан ҳаромнинг фарқини ўргатишсин. 24 Халқимга қози бўлишсин, арзларни қонунларимга мувофиқ ҳал этишсин. Мен тайин этган байрамларга оид қонун ва фармонларимга риоя қилишсин. Шаббат кунини муқаддас сақлашсин.

25 Руҳоний марҳумга яқинлашиб булғанмасин. Вафот этган одам руҳонийнинг отаси, онаси, фарзанди, ака–укаси ёки турмуш қурмаган опа–синглиси бўлсагина, руҳоний марҳумга яқинлашиб, булғаниши мумкин. 26 Бундай ҳолларда у покланиш маросимини адо этиши шарт. Етти кундан кейин 27 Маъбаднинг ички ҳовлисига кириб, покланиш қурбонлигини келтирсин. Шундан кейингина у Маъбадда яна хизмат қила олади.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

[28] Эгамиз менга деди: “Руҳонийларга Исроил халқи орасидан ҳеч қандай улуш берилмасин. Уларнинг мулки ҳам, улуши ҳам Менман. [29] Дон назри, гуноҳ ва айб қурбонликлари уларнинг ризқидир. Исроил халқи Менга атаган ҳар бир нарса руҳонийларга тегишли бўлсин. [30] Илк ҳосилнинг ва ҳамма назрларнинг энг яхшиси руҳонийларники бўлсин. Хамирнинг биринчи зуваласидан ёпилган нонни руҳонийларга назр қилиб беринглар, шунда хонадонингиздан барака аримайди. [31] Ҳаром ўлган ёки ёввойи ҳайвон ғажиган жониворнинг гўштини тановул қилиш руҳонийларга тақиқланган.”

45–БОБ

Эгамизнинг Исроилдаги улуши

[1] Эгамиз деди: “Исроил қабилаларига ерни бўлиб бераётганингизда, Мен, Эгангизга тегишли қисмини ҳам ажратиб қўйинглар. Менга ажратилган ҳудуднинг узунлиги 25.000 тирсак*, эни 20.000 тирсак* бўлсин. Бутун ҳудуд табаррук ҳисоблансин. [2] Ҳудуднинг 500 тирсакка 500 тирсак бўлган тўртбурчак ери Маъбад учун ажратилади. Унинг атрофи 50 тирсак масофада очиқ жой бўлади.

[3-4] Табаррук ҳудуднинг ярми муқаддас масканда Менга хизмат қилган руҳонийларга қарашли бўлади. Узунлиги 25.000 тирсак, эни 10.000 тирсак бўлган ҳудуднинг бу қисмида руҳонийларнинг уйлари ва Маъбад жойлашади. Бу энг муқаддас жой бўлади.

[5] Табаррук ҳудуднинг иккинчи ярми Маъбаддаги юмушларни бажараётган левиларга қарашли бўлади. Улар яшайдиган шаҳарлар шу ерда жойлашади*.

[6] Табаррук ҳудуднинг ёнига узунлиги 25.000 тирсак, эни 5000 тирсак бўлган ерни қўшинглар. Бу ерда шаҳар жойлашади. Исроил халқидан бўлган ҳар қандай одам келиб, бу шаҳарда яшаса бўлади.

Ҳукмдорнинг ерлари

[7] Тахтда ўтирган ҳукмдорга алоҳида ер берилсин. Унга бериладиган ернинг бир қисми табаррук ҳудуднинг ғарбий чегарасидан Ўрта ер денгизигача чўзилсин. Иккинчи қисми табаррук ҳудуднинг шарқий чегарасидан Иордан дарёсигача чўзилсин. Демак, ҳукмдорга қарашли ернинг узунлиги Исроил қабилаларига ажратилган ернинг узунлиги билан бир хил бўлади. [8] Бу ҳукмдорнинг улушидир. Бундан буён ҳукмдорлар халқимга зулм ўтказмайдилар, Исроил қабилалари ўз ерларига ўзлари эгалик қиладилар.

Ҳукмдорга оид қоидалар

[9] Исроил ҳукмдорларига айт: «Эгамиз Раббий шундай демоқда: зўравонлигу зулмингизни бас қилинг! Адолату тўғрилик ила иш тутинг. Халқимни ўз еридан маҳрум қилманг, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. [10] — Доим тўғри ўлчовни* ва тўғри тарозини ишлатинг: [11] сочилувчан қуруқ нарсаларни ўлчаш учун эфа ўлчов бирлигидан фойдаланинг, суюқ нарсаларни ўлчаш учун бат ўлчов бирлигидан фойдаланинг. Эфа ва батнинг ҳажми бир хил бўлсин. Эфа ҳам, бат ҳам ҳўмрнинг* ўндан бир қисмини сиғдирсин. [12] Оғирлик бирлиги сифатида шақални ишлатинг. Бир шақал 20 герага, бир мина 60 шақалга тўғри келсин*.»

[13] Ҳукмдорга қуйидаги миқдорда солиқ тўлансин:

Буғдой ҳосилининг олтмишдан бир қисми*.
Арпа ҳосилининг олтмишдан бир қисми.

[14] Зайтун мойининг бир фоизи*. (Зайтун мойини ўлчаш учун бат ўлчов

бирлигидан фойдаланинг. Ўн бат бир корга, яъни бир ҳўмрга* тўғри келади.)
15 Сурувдаги икки юзта қўйдан бири.

Булар дон назри, куйдириладиган ва тинчлик қурбонликлари сифатида халқни гуноҳларидан поклаш учун келтирилади, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий.
16 — Бутун Исроил халқи бу назрларни ҳукмдорга бериши лозим. 17 Ҳукмдор янги ой шодиёнасида, Шаббат ва бошқа байрамларда келтириладиган қурбонликлару назрлар учун ҳайвонларни, дон ва шаробни таъминлаб бериши шарт. Исроил халқини гуноҳларидан поклаш учун келтириладиган гуноҳ, тинчлик ва куйдириладиган қурбонликлар ҳамда дон назри учун ҳукмдор масъулдир.”

Байрамлар

18 Эгамиз Раббий менга деди: “Биринчи ойнинг* биринчи кунида Маъбадни поклаш учун нуқсонсиз бир буқани қурбонлик қил. 19 Руҳоний бу гуноҳ қурбонлигининг қонидан олиб, Маъбад эшикларининг кесакисига*, қурбонгоҳнинг тўрт бурчагига ва ички ҳовли дарвозаларининг ёндорларига суртсин. 20 Биринчи ойнинг еттинчи куни ҳам худди шундай қилсин ва шу йўл билан халқнинг билмай қилган гуноҳларини ювсин. Шунда Маъбад пок бўлади.”
21 Сўнг Эгамиз деди: “Биринчи ойнинг ўн тўртинчи кунидан бошлаб, Фисиҳ зиёфатини ва етти кун давомида Хамиртурушсиз нон байрамини* нишонланглар. Ўша вақт давомида хамиртурушсиз нон енглар. 22 Байрамнинг биринчи кунида ҳукмдор ўзининг ва бутун халқнинг гуноҳлари учун бир буқани гуноҳ қурбонлиги қилиб, олиб келсин. 23 У байрамнинг етти куни давомида Менга куйдириладиган қурбонлик учун ҳар куни еттитадан буқа ва еттитадан нуқсонсиз қўчқор етказиб берсин. Бундан ташқари, ҳар куни гуноҳ қурбонлиги учун биттадан така берсин. 24 Қурбонлик қилинадиган ҳар бир буқа ва ҳар бир қўчқор билан бирга бир тоғора* дон ва саккиз коса* зайтун мойини берсин.
25 Еттинчи ойнинг* ўн бешинчи кунида бошланадиган Чайла байрами* учун ҳам, етти кун давомида келтириладиган гуноҳ қурбонликлари, куйдириладиган қурбонликлар, дон ва зайтун назрларини етказиб турсин.”

46–БОБ

Ҳукмдор ва байрамларга оид қонунлар

1 Эгамиз Раббий менга деди: “Ички ҳовлининг шарқий дарвозаси ҳафтанинг олти куни давомида ёпиқ турсин, Шаббат куни ва янги ой шодиёнаси куни очилсин. 2 Ҳукмдор ташқи ҳовлидан бу дарвоза биносининг даҳлизига кириб, даҳлизнинг эшигида турсин. Руҳоний куйдириладиган ва тинчлик қурбонликларини келтираётганда, ҳукмдор даҳлиз остонасида туриб Худога сажда қилсин. Сўнг келган йўли билан чиқиб кетсин. Дарвоза кечгача очиқ турсин. 3 Ҳар Шаббат ва янги ой шодиёнаси куни Исроил халқи бу дарвоза олдида туриб, Мен, Эгангизга сажда қилсин. 4 Ҳар Шаббат куни ҳукмдор куйдириладиган қурбонлик учун олтита нуқсонсиз қўзини ва битта нуқсонсиз қўчқорни Менга атаб, олиб келсин. 5 Қўчқор билан бирга бир тоғора* донни назр қилсин. Қурбонлик қилинадиган ҳар бир қўзи билан бирга хоҳлаган миқдорда дон назр қилсин. Ҳар бир тоғора дон билан бирга саккиз коса* зайтун мойини назр қилсин.
6 Янги ой шодиёнаси куни битта нуқсонсиз бузоқ, олтита нуқсонсиз қўзини ва битта нуқсонсиз қўчқорни олиб келсин. 7 Менга аталган ҳар бир бузоқ ва қўчқор билан бирга бир тоғорадан дон назр қилсин. Қўзилар билан бирга эса хоҳлаган

миқдорда дон назр қилсин. Ҳар бир тоғора дон билан бирга саккиз коса зайтун мойини назр қилсин. 8 Ҳукмдор ичкарига кирганда, дарвоза биносининг даҳлизи орқали кирсин ва яна ўша йўл билан қайтиб чиқсин.

9 Белгиланган байрамларда одамлар Мен, Эгангизга сажда қилгани келадилар. Шунда улар бир дарвозадан кириб, қаршисидаги дарвозадан чиқиб кетишлари шарт. Маъбад ҳовлисига шимолий дарвозадан кирганлар жанубий дарвоза орқали чиқишсин. Жанубий дарвозадан кирганлар шимолий дарвозадан чиқишсин. 10 Ҳукмдор халқ билан бирга кириб, халқ билан бирга чиқиб кетсин.

11 Шундай қилиб, байрамларда ва белгиланган тантаналарда қурбонлик қилинадиган ҳар бир бузоқ ва қўчқор билан бирга бир тоғорадан дон назр қилинади. Қурбонлик қилинадиган қўзилар билан бирга хоҳлаган миқдорда дон назр қилиниши мумкин. Ҳар бир тоғора дон билан бирга саккиз коса зайтун мойи назр қилинади. 12 Ҳукмдор кўнгилдан чиқариб берадиган тинчлик ёки куйдириладиган қурбонликни Мен, Эгангизга келтирмоқчи бўлганда, у учун ички ҳовлининг шарқий дарвозаси очилсин. Бу қурбонликларини у Шаббат кунида келтирадиган қурбонликларга ўхшаб тақдим қилсин, дарвоза биносидан чиқиб кетганидан сўнг дарвоза беркитилсин.

Кундалик назрлар

13 Ҳар куни эрталаб нуқсонсиз бир ёшли қўзини Мен, Эгангизга қурбонлик қилиб, куйдиринглар. 14 Бу билан бирга, ҳар куни эрталаб дон назрини келтиринглар. Дон назри олти коса* сифатли ундан ва ун билан аралаштириладиган уч коса* зайтун мойидан иборат бўлсин. Кундалик қурбонлик ва назрларга оид бу қоидага доимий равишда риоя қилинглар. 15 Хуллас, ҳар куни эрталаб Менга қўзини, донни ва зайтун мойини куйдириладиган қурбонлик қилиш учун олиб келинглар. Бу сизлар учун абадий қоида бўлсин.”

Ҳукмдорнинг ерларига оид қонунлар

16 Эгамиз Раббий менга деди: “Агар ҳукмдор бирор ўғлига ерини совға қилса, совға қилинган ер ўша ўғлининг абадий мероси бўлиб қолади. 17 Борди–ю, ҳукмдор ерини бирор хизматкорига совға қилса, хизматкор совға қилинган ерга Қутлуғ йилгача эгалик қила олади. Қутлуғ йилда* ер ҳукмдорга қайтади. Ҳукмдор ерларини фақатгина ўз ўғилларига мерос қилиб бериши мумкин. 18 Бошқа одамларнинг ерларини тортиб олиш унга тақиқланади. У ўғилларига фақат ўзининг қарамоғида бўлган ерлардан мерос берсин, халқимни ўз еридан маҳрум қилмасин.”

Маъбад ошхонаси

19 Сўнг ўша одам* мени дарвоза ёнидаги йўл орқали шимол томондаги руҳонийларнинг муқаддас хоналари олдига бошлаб борди*. Ўша ердан у менга ғарбдаги, энг четдаги бир жойни кўрсатиб, 20 деди: “Анави — ошхона. Руҳонийлар у ерда айб ва гуноҳ қурбонликларининг гўштини қайнатадилар, назр қилинган доннинг унидан нон ёпадилар. Бу муқаддас назрларни ташқи ҳовлига олиб чиқмаслик учун ва халқ муқаддас назрларга қўл теккизмаслиги учун* ошхона айнан шу ерда жойлашган.”

21 Сўнг у мени яна ташқи ҳовлига олиб чиқиб, ҳовлининг тўрт бурчагида жойлашган ошхоналарни кўрсатди. 22 Усти очиқ бу тўртала ошхона бир хил: узунлиги 40 тирсак*, эни 30 тирсак эди. 23 Ошхона деворлари бўйлаб ўчоқлар қурилган эди. 24 Ўша одам менга шундай деди: “Бу ошхоналар Маъбадда хизмат қиладиганлар учун мўлжалланган. Улар бу ерда халқ келтирган қурбонликлар

гўштини қайнатадилар.”

47–БОБ

Маъбаддан оқиб чиққан ирмоқ

1 Ўша одам* мени Маъбаднинг эшиги ёнига олиб борди. Қарасам, Маъбад остонасидан бир ирмоқ оқиб чиқаётган экан. Остонанинг жануб томонидан чиққан бу ирмоқ қурбонгоҳнинг жанубидан ўтиб, шарққа оқаётган эди. 2 Сўнг ўша одам мени шимолий дарвоза орқали ташқарига олиб чиқди. Биз айланиб, Маъбаднинг шарқий дарвозаси ёнига бордик. Ирмоқ шарқий дарвозанинг жануб томонидан жилдираб оқиб чиқаётган эди.

3 Ўша одам қўлидаги арқон билан шарқ томонга оқаётган бу ирмоқнинг узунлигини ўлчай бошлади. У 1000 тирсак* ўлчаб бўлгандан сўнг, менга ирмоқдан кечиб ўтишимни буюрди. Ўша ердаги сув тўпиғимгача келар эди. 4 Сўнг яна 1000 тирсак ўлчаб, ирмоқдан кечиб ўтишимни буюрди. Бу сафар сув тиззамгача чиқди. Кейинги 1000 тирсак масофадан сўнг сув белимгача чиқди. 5 Сўнг у одам яна 1000 тирсак ўлчади, бу ерда ирмоқ ўтиб бўлмайдиган бир дарёга айланган эди. Дарё шу қадар чуқур эдики, уни фақат сузиб ўтса бўлар эди. 6 Шунда у одам менга: “Эй инсон, кўрган бу нарсани доим ёдингда тут”, — деди–да, мени қирғоққа бошлаб кетди.

7 Қирғоққа чиққанимиздан сўнг, мен дарёнинг икки томонида ўсаётган жуда кўп дарахтларни кўрдим. 8 Одам менга деди: “Бу дарё саҳро орқали Иордан водийсига* оқиб, Ўлик денгизга қуйилади. Шунда Ўлик денгизнинг шўр сувлари ширин бўлади. 9 Дарё оқиб борган ҳамма жойда судралувчилар яшайди, балиқлар тўлиб–тошади. Ширин бўлган бу сувлар оқиб ўтган ҳамма жойда ҳаёт бошланади. 10 Одамлар Ўлик денгизнинг қирғоқларида туриб балиқ тутишади, Эн–Гедидан Эн–Эхлайимгача* бўлган жойда тўрларини қуритишади. Ўрта ер денгизидаги* каби, балиқларнинг тури кўп бўлади. 11 Бироқ ботқоқликлар билан халқобларнинг сувлари янгиланмайди. Улар туз манбаи бўлиб қолади. 12 Дарёнинг икки томонида турли хил мевали дарахтлар ўсади. Улар ҳар ойда янги мевалар тугади, барглари ҳеч қачон сўлимайди. Маъбаддан чиққан сув уларни суғоргани учун улар ҳеч қачон ҳосилдан қолмайди. Уларнинг мевалари озуқа бўлади, барглари шифо келтиради.”

Юртнинг чегаралари

13 Сўнг Эгамиз Раббий шундай деди: “Юртни Исроилнинг ўн икки қабиласига бўлиб бераётганингизда қуйидаги кўрсатмаларга риоя қилинглар: Юсуф авлодларига* икки улуш ер берилсин. 14 Мен ота–боболарингизга онт ичиб, ваъда қилган бу ерни қабилалар орасида тенг бўлинглар. Бу ер сизнинг мулкингиз бўлади.

15 Шимолий чегарангиз Ўрта ер денгизидан бошланиб, шарққа — Хетлон шаҳри томон боради, сўнг Лево–Хомат* орқали ўтиб, Задод шаҳригача давом этади. 16 Кейин Дамашқ ва Хомат оралиғидаги* Барўтах ва Сиврайим шаҳарларигача бориб, Хаврон чегарасидаги Хазер–Хатиконгача чўзилади. 17 Шундай қилиб, шимолий чегарангиз Ўрта ер денгизидан шарқдаги Хазор–Энан шаҳригача боради. Хазор–Энан шаҳри жанубдаги Дамашқ ва шимолдаги Хомат ҳудудлари орасида жойлашган.

18 Шарқий чегара Хаврон ва Дамашқ ҳудудлари орасида бошланиб, Исроил ва Гилад ерлари ўртасидан оқиб ўтган Иордан дарёси бўйлаб боради. Ўлик денгиздан ҳам ўтиб, жанубдаги Тамар шаҳригача етиб боради. Мана шу шарқий

чегарадир.
19 Жанубий чегара Тамар шаҳридан бошланиб, Кадешдаги Марива сувларигача боради, кейин Миср чегарасидаги ирмоқ* бўйлаб бориб, Ўрта ер денгизигача етади. Бу жанубий чегарадир.
20 Ўрта ер денгизининг қирғоғи ғарбий чегарани ташкил қилиб, Лево–Хоматнинг ғарбдаги шимолий чегараси бошланган жойигача боради.
21 Бу ерларни Исроил қабилаларига бўлиб беринглар. 22 Улар бу ерларни қуръа бўйича* мерос қилиб олсинлар. Болалари Исроилда туғилган орангиздаги мусофирларга ҳам ерингиздан улуш беринглар. Уларни Исроилнинг маҳаллий аҳолиси деб билинглар. Уларга ўзингиз қатори Исроил қабилалари орасидан ерни мулк қилиб беринглар. 23 Улар қайси қабила орасида яшашса, ўша қабила ҳудудидан ер олишсин.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

48–БОБ

Ер қабилалар орасида бўлинади

1 Эгамиз деди: “Қуйида Исроил қабилаларининг номлари ва уларнинг улуш қилиб олган ерлари қайд этилган. Дан қабиласининг ҳудуди Исроил юртининг шимолида жойлашган. Унинг чегараси Хетлон йўли бўйлаб Лево–Хоматга*, сўнг Хазор–Энанга боради. Хазор–Энан шаҳри жанубдаги Дамашқ ва шимолдаги Хомат ҳудудлари орасида жойлашган. Дан қабиласининг ҳудуди Исроил юртининг ғарбий чегарасидан шарқий чегарасигача чўзилади. 2 Дан қабиласи ҳудудидан жанубда Ошер қабиласи жойлашади, унинг ҳудуди ҳам Исроил юртининг ғарбий чегарасидан шарқий чегарасигача чўзилади. 3 Ошер ҳудудидан жанубда Нафтали қабиласи жойлашади, уларнинг ҳудуди ҳам ғарбдан шарққача чўзилади.
4-7 Нафталидан жанубда Манаше қабиласи, Манашедан жанубда Эфрайим, сўнг Рубен, сўнг Яҳудо қабилалари жойлашади. Ҳамма қабилаларнинг ҳудудлари Исроил юртининг ғарбий чегарасидан шарқий чегарасигача чўзилади.

Махсус ажратилган ер

8 Яҳудо ҳудудидан жанубда махсус ажратилган ер бўлади. Бу ернинг ғарбдан шарққа чўзилган узунлиги ҳар бир қабилага ажратилган ернинг узунлиги билан тенг, яъни ғарбдаги Ўрта ер денгизидан то шарқдаги Иордан дарёсигача бўлади. Шимолдан жанубга чўзилган эни эса 25.000 тирсак* бўлади. Бу махсус ажратилган ернинг ўртасида Маъбад жойлашади.
9 Бу ҳудуднинг бир қисми Мен, Эгангизга ажратилган бўлиб, ғарбдан шарққа 25.000 тирсакни, шимолдан жанубга 20.000 тирсакни* ташкил қилади. 10 Мен бу муқаддас еримнинг ярмини руҳонийларга бераман. Уларга ажратилган ернинг ғарбдан шарққа бўлган узунлиги 25.000 тирсак, шимолдан жанубга чўзилган эни 10.000 тирсак бўлади. Руҳонийларга ажратилган ернинг марказида Менинг Маъбадим жойлашади. 11 Бу ер фақат Зодўх авлодидан тайинланган руҳонийларга тегишли бўлади, чунки улар Менинг талабларимни бажардилар. Исроил халқи ва бошқа левилар Мендан юз ўгирганларида, улар Мендан юз ўгирмадилар. 12 Менга ажратилган ҳудуднинг энг муқаддас жойи руҳонийларнинг махсус улуши бўлади. Руҳонийларнинг бу ери левиларнинг ерларига туташган бўлади. 13 Мен муқаддас еримнинг иккинчи ярмини левиларга бераман. Уларга бериладиган ернинг ғарбдан шарққа бўлган узунлиги 25.000 тирсак, шимолдан жанубга чўзилган эни 10.000 тирсак бўлади. Хуллас, руҳоний ва левиларга бериладиган ернинг умумий узунлиги 25.000 тирсак, эни 20.000 тирсак* бўлади.
14 Бу ерни сотиш, айирбошлаш ёки бировнинг номига ўтказиш қатъиян ман

этилади. Ахир, бу ер Меники, у муқаддасдир.
15 Менга ажратилган ердан жанубда шаҳарга қарашли ерлар бўлади. Бу ернинг ғарбдан шарққа бўлган узунлиги 25.000 тирсак, шимолдан жанубга чўзилган эни 5000 тирсак бўлиб, бу ерларда одамларнинг уйлари ва яйловлари бўлади. Шаҳар ўша ернинг марказида жойлашади. 16 Шаҳарнинг эни ва узунлиги бир хил 4500 тирсак бўлади. 17 Шаҳар ҳар томондан эни 250 тирсак бўлган яйловлар билан ўралган бўлади. 18 Шаҳардан ортиб қолган ғарбдаги ва шарқдаги 10.000 тирсакка 5000 тирсак бўлган ер майдони далалар учун мўлжалланган. У ерда шаҳардаги ишчилар учун озуқа етиштирилади. 19 Шаҳарда яшайдиган ҳар қандай одам, қайси қабиладан бўлмасин, ўша далаларга экин экиши мумкин. 20 Демак, махсус ажратилган ер тўртбурчак шаклда, ҳар бир томони 25.000 тирсак узунликда бўлади. Бу ер муқаддас ерларни ва шаҳар қарамоғидаги ерларни ўз ичига олади.
21 Махсус ажратилган ернинг ғарб ва шарқ томонидаги ортган ерлар Исроил ҳукмдорига қарашли бўлади. Ҳукмдорнинг шарқдаги ерлари Иордан дарёсига, ғарбдаги ерлари Ўрта ер денгизига бориб тақалади. Ғарбдаги ернинг ҳам, шарқдаги ернинг ҳам узунлиги 25.000 тирсак бўлади. Уларнинг ўртасида Менинг муқаддас улушим, Маъбадим, 22 Левиларнинг улуши ва Қуддус шаҳри жойлашади. Ҳукмдорнинг ерлари шимолда Яҳудо қабиласининг ерларига, жанубда Бенямин қабиласининг ерларига чегарадош бўлади.

Жанубдаги қабилаларнинг ерлари

23 Қолган қабилаларга қуйидаги ерлар улуш қилиб берилади: махсус ажратилган ердан жанубда Бенямин қабиласининг ҳудуди бўлиб, Исроил юртининг шарқий чегарасидан ғарбий чегарасигача чўзилади. 24 Бенямин ҳудудидан жанубда Шимўн қабиласининг ҳудуди бўлиб, юртнинг шарқий чегарасидан ғарбий чегарасигача чўзилади. 25 Шимўн ҳудудидан жанубда Иссахор қабиласининг ҳудуди бўлиб, шарқий чегарадан ғарбий чегарагача чўзилади.
26 Иссахор ҳудудидан жанубда Забулун қабиласининг ҳудуди бўлиб, шарқий чегарадан ғарбий чегарагача чўзилади. 27 Забулун ҳудудидан жанубда Гад қабиласининг ҳудуди бўлиб, шарқий чегарадан ғарбий чегарагача чўзилади.
28 Гад ҳудудининг жанубий чегараси Тамар шаҳридан то Кадешдаги Марива сувларигача боради, кейин Миср чегарасидаги ирмоқ* бўйлаб ўтиб, Ўрта ер денгизигача* етади. 29 Шундай қилиб, Исроил юрти ўн икки қабилага бўлиб берилади, олган ерлари уларнинг улуши бўлади.” Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

Қуддус дарвозалари

30 Эгамиз деди: “Шаҳарнинг дарвозалари қуйидагича бўлсин: шаҳарнинг шимолий девори 4500 тирсак узунликда бўлиб, 31 унинг учта дарвозаси бўлади. Шаҳар дарвозаларига Исроил қабилаларининг номлари берилади. Бу томондаги дарвозаларнинг номлари Рубен, Яҳудо ва Леви бўлади. 32 Шарқий деворнинг узунлиги ҳам 4500 тирсак бўлади, унинг учта дарвозаси Юсуф, Бенямин ва Дан қабилалари номлари билан аталади. 33 Жанубий деворнинг узунлиги ҳам 4500 тирсак бўлади, унинг учта дарвозаси Шимўн, Иссахор ва Забулун деб номланади.
34 Ғарбий деворнинг узунлиги ҳам 4500 тирсак бўлади, унинг учта дарвозаси Гад, Ошер ва Нафтали деб номланади. 35 Шаҳарни ўраб турган деворнинг умумий узунлиги 18.000 тирсак бўлади. Ўша вақтдан бошлаб шаҳарнинг номи «Эгамиз шу ердадир» бўлади.”

ИЗОҲЛАР

1:1-3 *Ҳаётимнинг ўттизинчи йили* — ибронийча матнда *Ўттизинчи йил*. Ҳизқиёлнинг ёши назарда тутилган бўлиши мумкин.

1:1-3 *тўртинчи ой* — иброний календарининг Таммуз ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июннинг ўртасидан бошланади.

1:1-3 *Бузи ўғли руҳоний Ҳизқиёл* — ёки *руҳоний Бузи ўғли Ҳизқиёл*.

1:1-3 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

1:1-3 *шоҳ Ёҳайихин сургундалигининг бешинчи йили* — милоддан олдинги 593 йил.

2:1 *инсон* — ибронийча матнда *инсон ўғли*. Мазкур китобда Худо Ҳизқиёлга айнан шу ибора билан мурожаат қилган. Пайғамбар ҳам одам зотидан эканлигини, абадий яшамаслигини, у ҳам Худонинг кучига муҳтожлигини кўрсатиш учун шу ибора ишлатилган.

2:9 *ўрама қоғоз* — папирусдан қилинган узун ўралган қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар ўрама шаклда бўлган.

3:1 *ўрама қоғоз* — 2:9 изоҳига қаранг.

3:12 *Шунда…деб айтаётган эди* — ёки *Эгамизнинг улуғворлиги жойидан кўтарилаётганда мен орқадан келаётган қаттиқ гумбурлаган товушни эшитдим*.

3:18 *…ўз гуноҳи учун…* — ёки *…ўз гуноҳида…* (шу бобнинг 19, 20–оятларида ҳам бор).

3:20 *…Мен унинг оёғига тўғоноқ соламан, у қоқилиб йиқилади* — кўчма маънодаги гап бўлиб, Худонинг ҳукмига ишора қилади. Одамлар Худодан юз ўгириб, гуноҳ қилишга муккасидан кетганларида, гуноҳ ўша одамларнинг йўлида тўсиқ тошдай бўлади. Улар ўша тошга қоқилиб, ҳалокат ва таназзулга юз тутадилар. Яна 7:19, 14:3, 4, 7, 18:30 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг.

3:23 *…худди Кавор дарёси бўйида кўрган улуғворликка ўхшар эди* — 1:1-28 га қаранг.

3:27 *…уларга айтадиган гапим бўлганда, сени яна тилга киритаман* — 24:26-27, 33:21-22 га қаранг.

4:2 *…атрофига қамал иншоотларини билдирувчи уюмларни ҳосил қил, шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уй…* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча девор ёнига баланд қурилмалар ясаганлар ва деворга қиялатиб тупроқ уйганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

4:4 *Исроил* — шоҳ Сулаймоннинг вафотидан кейин Исроил халқи икки шоҳликка бўлиниб кетди (3 Шоҳлар 11:26-12:24 га қаранг). Шимолий шоҳлик “Исроил” деб, жанубий шоҳлик эса “Яҳудо” деб аталадиган бўлди. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, уни батамом йўқ қилиб юбордилар. Ҳизқиёл даврида фақат жанубий шоҳлик, яъни Яҳудо қолган эди. Шу сабабдан Ҳизқиёл китобида “Исроил” сўзи билан “Яҳудо” сўзи ўзаро алмашган ҳолда жанубий шоҳлик аҳолисига нисбатан қўлланилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

4:9 *...улардан ўзингга нон тайёрлайсан* — ҳар хил донларни аралаштириб, нон тайёрлаш қамал пайтида Қуддуснинг аянчли аҳволини ифода этади. Ўша пайтда шаҳар аҳолиси бор донлардан нон ёпадиган бўлади.

4:10 *50 мисқол* — ибронийча матнда *20 шақал*, тахминан 230 граммга тўғри келади.

4:11 *бир коса* — ибронийча матнда *хиннинг олтидан бир қисми*, тахминан ярим литрга тўғри келади.

4:13 *...улар ҳам худди шундай ҳаром нонни ейдиган бўладилар* — Яҳудо халқи Бобилга сургун қилингандан кейин шу бобнинг 12–оятида тасвирланган аянчли аҳволга тушади. Уларнинг ейдиган овқати ҳаром бўлади.

5:1 *...сочинг билан соқолингни қириб ташла* — ўта хўрланиш белгиси. Одатда босқинчилар ўзлари мағлуб қилган одамларнинг сочи билан соқолини қириб ташлаганлар.

6:3 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик” (шу бобнинг 6–оятида ҳам бор). Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди.

6:14 *Ривло* — баъзи иброний қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *Дивло*, номаълум бир шаҳарнинг номи бўлса керак. Ривло шаҳри ҳозирги Сурияда жойлашган бўлиб, Исроил шоҳлигининг энг шимолий нуқтасини ташкил қиларди.

7:18 *Улар қайғудан қаноргa ўранишади...сочларини қирдиришади...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қаноргa ўраниб олиш ва сочни қириш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

7:19 *...олтину кумуши Исроил халқининг бошига ҳалокат келтиради* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...гуноҳлари дастидан олтину кумуш улар учун қоқилтирадиган тош бўлди*. 3:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

7:22 *азиз уйим* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *менинг хазинам*, Маъбадга ишора бўлса керак. Лекин умумий маънода Қуддусга ёки бутун Исроил юртига ишора қилинган бўлиши ҳам мумкин.

8:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг олтинчи йили олтинчи ойи* — милоддан олдинги 592 йилнинг олтинчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Элул ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан августнинг ўртасидан бошланади.

8:3 *шимолий дарвоза* — Юқори дарвоза номи билан ҳам маълум эди (9:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

8:4 *Мен бундай ваҳийни водийда ҳам кўрган эдим* — 3:22-23 га қаранг.

8:10 *ҳаром ҳайвонлар* — Левилар 11–бобга қаранг.

8:14 *...худо Таммуз учун қайғуриб йиғлаётган эдилар* — бутпараст халқнинг эътиқоди ва тасаввурига кўра, бу худо ўсимликлар хазон бўлган пайтда ўлиб, кейинги йил табиат уйғонганда тириларди. Ҳар йили аёллар бу худога аза тутиб, қайғу маросимини ўтказишарди ва шу орқали уни ҳаётга қайтармоқчи бўлишарди.

8:17 *Мени ҳақорат қилаётганларини...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Дарахт шохини бурунларига олиб бораётганини...*. Бошқа худоларга

аталган маросимларда бажариладиган ҳаракатга ёки Эгамизга нисбатан ҳақоратомуз қилиққа ишора бўлиши мумкин. Бошқа худоларга сиғиниш Эгамизнинг назарида Унга нисбатан ўта ҳурматсизликни ва ҳақоратни билдирарди.

9:2 *шимолдаги Юқори дарвоза* — Маъбаднинг ички ҳовлисига олиб борадиган бу дарвоза шимолга қаратиб қурилган эди (8:3 га қаранг). Бу дарвоза тепаликда жойлашгани учун "Юқори" деб ном олган (4 Шоҳлар 15:35 га қаранг).

9:3 *Карублар* — қанотли самовий мавжудотлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

10:1 *гумбаз* — 1:22 га қаранг.

10:15 *Мен Кавор дарёси бўйида кўрган жонли мавжудотлар* — 1:1-28 га қаранг.

11:9 *ажнабийлар* — Бобил халқи назарда тутилган.

11:23 *шаҳарнинг шарқ томонидаги тоғ* — Зайтун тоғи назарда тутилган.

11:24 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

12:10-11 *Қуддусда ҳукмронлик қилаётган шаҳзода* — Яҳудо шоҳи Зидқиё назарда тутилган (4 Шоҳлар 25:4-7 га қаранг).

12:13 *Халдейлар* — ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

13:18 *Сизлар…ёпасизлар* — одамларга ёмонлик келтириш мақсадида қилинган сеҳр–жодуга ишора.

14:3 *…гуноҳ уларнинг бошига ҳалокат келтиради* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…улар гуноҳни ўз олдиларига қоқилтирадиган тош қилиб қўйишди* (шу бобнинг 4, 7–оятларида ҳам бор). 3:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

14:14 *Дониёр* — ёки *Данэл* (шу бобнинг 20–оятида ҳам бор). Ҳизқиёл пайғамбар бу башоратини айтганда, Дониёр пайғамбар ҳали жуда ёш эди. Шу сабабдан, баъзи олимларнинг фикрига кўра, бу ерда тилга олинган Дониёр Муқаддас Китобдаги Дониёр пайғамбар эмас, балки Канъондаги халқларнинг достонларида мадҳ қилинган Данэл исмли доно ва одил ҳукмдор бўлиши мумкин.

16:3 *…сен Канъон юртида туғилгансан, сенинг отанг Амор халқидан, онанг Хет уруғидан бўлган* — Амор, Хет ва Канъон юртида яшаган жамики халқлар бутпараст бўлиб, Эгамизга сажда қилишмасди.

16:7 *…энг гўзал бир гавҳарга ўхшаб қолдинг* — ёки *…сен аёл бўлиб етилдинг*.

16:15 *фаҳш йўлига кирдинг* — Эски Аҳдда зино ёки фаҳш сўзлари кўпинча мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Эгамизга хиёнат қилишни ва бошқа худоларга сиғинишни билдиради. Ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар.

16:16 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни "тепалик". 6:3 изоҳига қаранг.

16:21 *…уларни бутларингга қурбонлик қилиб, оловда куйдиришинг…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…уларни бутларингга (оловдан) ўтказишинг…*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган

қабиҳлик эди.

16:24 *...сўрилар...баланд супалар...* — кўчма маънода ишлатилган сўзлар бўлиб, халқ бошқа худоларга сиғинган жойларга ишора қилади (шу бобнинг 15–ояти изоҳига қаранг). Шу бобнинг 31, 39–оятларида ҳам бор.

16:28 *Оссурия* — қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво шаҳри ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОССУРИЯ сўзига қаранг.

16:29 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

16:45 *Сенинг онанг Хет уруғидан, отанг Амор халқидан эди* — шу бобнинг 3–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

16:57 *Эдом* — кўплаб иброний қўлёзмаларидан ва қадимий сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *Орам*. “Орам” ва “Эдом” сўзлари ибронийчада деярли бир хил ёзилади. Ўша даврда Эдом халқи Яҳудо халқига душман эди (25:12-14, 35:1-15 га қаранг).

16:60 *ёшлигингда сен билан тузган аҳдим* — шу бобнинг 8–оятига қаранг.

16:61 *Опанг...синглинг...* — шу бобнинг 46–оятига қаранг.

17:3 *бургут* — Бобил шоҳи Навухадназар назарда тутилган (шу бобнинг 12–оятига қаранг).

17:3 *садр дарахти* — Лубнон тоғларида ўсадиган бу садр дарахтлари дунёнинг ўша ҳудудидаги энг катта дарахт турларидан эди.

17:7 *бошқа...бургут* — Миср шоҳи назарда тутилган (шу бобнинг 15–оятига қаранг).

17:10 *гармсел* — ҳосилга катта зиён келтирадиган иссиқ шамол.

17:12 *у ердаги шоҳ* — шоҳ Ёҳайихин назарда тутилган (4 Шоҳлар 24:8-16 га қаранг).

17:13-14 *шоҳ оиласига мансуб бўлган бир киши* — шоҳ Ёҳайихиннинг амакиси Зидқиё назарда тутилган. Бобил шоҳи Навухадназар уни Ёҳайихиннинг ўрнига шоҳ қилиб тайинлаган эди (4 Шоҳлар 24:17 га қаранг).

17:15 *Исроил шоҳи* — Зидқиё назарда тутилган (4 Шоҳлар 24:18-20 га ҳамда Еремиё 37:5 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

17:17 *...шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдиради...* — 4:2 изоҳига қаранг.

17:17 *қамал иншоотлари* — 4:2 изоҳига қаранг.

17:22 *нозик бир новда* — Довуд авлодидан келиб чиқадиган шоҳ назарда тутилган. Яна Ишаё 11:1, Закариё 3:8 га қаранг.

17:23 *Исроил тоғи* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

18:17 *...камбағалга жабр етказмаса...* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *...ўзини гуноҳдан тортса...* (яна шу бобнинг 8–оятига қаранг).

18:30 *...гуноҳ бошингизга ҳалокат келтиради* — ибронийча матндан сўзма–сўз

таржимаси *...бу гуноҳ сизлар учун қоқилтирадиган тош бўлади*. 3:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

19:1 *икки шаҳзода* — шоҳ Ёҳухоз ва шоҳ Зидқиё назарда тутилган (шу бобнинг 3, 5–оятларига ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг).

19:2 *Сенинг онанг* — Яҳудо қабиласига ишора (Ибтидо 49:8-9 га қаранг). Шоҳ Ёҳухоз ва шоҳ Зидқиё айнан шу қабиладан келиб чиққан эди.

19:3 *Битта боласи* — фиръавн Нехо занжирбанд қилган шоҳ Ёҳухоз назарда тутилган (4 Шоҳлар 23:31-34 га қаранг).

19:5 *бошқа боласи* — шоҳ Зидқиё назарда тутилган бўлиши мумкин (12:10-14, 17:13-21 га ва 4 Шоҳлар 24:18-25:7 га қаранг).

19:7 *Қалъаларини бузар эди...* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Бевоналарни билди*.... Баъзи олимларнинг фикри бўйича, бу ибора мазкур ўринда *бевоналарини зўрлар эди* маъносида келган.

19:10 *Сенинг онанг* — Яҳудо қабиласидан бўлган шоҳлар сулоласига ишора.

19:11 *Салтанат ҳассалари* — Ибтидо 49:10 га қаранг. Салтанат ҳассаси шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

20:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг еттинчи йили бешинчи ойи* — милоддан олдинги 591 йилнинг бешинчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Ав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан июлнинг ўртасидан бошланади.

20:6 *сут ва асал оқиб ётган юрт* — ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут — мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

20:26 *Тўнғич болаларини қурбонлик қилиб, оловда куйдиришларига йўл қўйиб бердим* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Тўнғич болаларини (оловдан) ўтказишларига йўл қўйдим* (шу бобнинг 31–оятида ҳам бор). Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

20:29 *Саждагоҳ* — ибронийча матнда *Бамах*, яъни "Тепалик". 6:3 изоҳига қаранг.

20:29 *Бамах* — бу оятда сўз ўйини ишлатилган. Иброний тилида *бамах* сўзи "тепалик", яъни "саждагоҳ" маъносини билдиради. Сўроқ гапда ишлатилган оҳангдош ибронийча сўзлар эса *мах ба*, яъни "улар қаерга боряптилар?" деган маънони англатади.

20:36 *Миср саҳроси* — Синай саҳросига ишора.

20:40 *...муқаддас тоғим...Исроилнинг баланд тоғи...* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 17:23 изоҳига қаранг.

20:46 *...жанубга...Нагавдаги ўрмонга қарши...* — Яҳудо юрти ва Қуддус шаҳри назарда тутилган (21:2 га қаранг).

21:2 *барча саждагоҳлари* — ёки *саждагоҳи* бўлиб, Маъбад ва умуман Қуддус назарда тутилган (20:46 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

21:3 *Қиличим* — Бобил шоҳи Навухадназар назарда тутилган. У орқали Худо Яҳудо халқини ва бошқа халқларни жазолаган (21:18-23, 30 га қаранг).

21:10 *салтанат ҳассаси* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

21:10 *...Қиличим салтанат ҳассасини менсимайди, Ҳеч қандай таёқни писанд қилмайди* — Яҳудо, яъни жанубий шоҳлик аҳолиси Худонинг танланган халқи бўлишига қарамай, Худога бўлган итоатсизлиги учун бутун халқ ҳукмдори билан бирга жазоланган эди.

21:22 *...шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдиради...* — 4:2 изоҳига қаранг.

21:22 *қамал иншоотлари* — 4:2 изоҳига қаранг.

21:25 *Исроил ҳукмдори* — шоҳ Зидқиё назарда тутилган.

21:30 *Эй Бобил шоҳи...Бошқаларни жазолашдан тўхта!* — ибронийча матнда *Қилични қинига сол!* 21:3 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

22:18 *тошқол* — кумуш эритилганда қоладиган қотишма. У чиқинди ҳисобланади ва ташлаб юборилади.

22:25 *шаҳзодалар* — қадимий юнонча таржимадан (яна 19:1-6 га қаранг). Ибронийча матнда *пайғамбарлар тўдаси*.

23:4 *Охола Самарияни, Охолибо Қуддусни билдиради* — Охола Исроилни, яъни шимолий шоҳликни, Охолибо Яҳудони, яъни жанубий шоҳликни билдиради (яна 4:4 изоҳига қаранг). Шимолий шоҳликнинг пойтахти — Самария, жанубий шоҳликнинг пойтахти Қуддус эди. Охола ва Охолибонинг ахлоқсизлиги мажозий маънони ифодалаб, Яҳудо ва Исроил халқларининг бутпараст иттифоқдошларига ва уларнинг худоларига бўлган ишончини, ризқини берадиган ҳақ Худога эса ўтакетган садоқатсизлигини билдиради.

23:14 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 16–оятида ҳам бор).

23:15 *Халдей* — ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

23:23 *Халдейлар* — ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

23:31 *жазо косаси* — Худо ғазабининг рамзи бўлган шароб косасига ишора. Мана шу шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (Ишаё 51:17-23, Еремиё 25:15-29 га қаранг).

23:37 *...болаларини ўша бутларга таом назри сифатида қурбонлик қилиб, оловда куйдирдилар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...болаларини ўша бутларга таом назри сифатида (оловдан) ўтказдилар*. Бутпараст халқларга хос бўлган бу жирканч одат Худонинг назарида ўтакетган қабиҳлик эди.

23:42 *бу майхўр қаланғи–қасанғилар* — ёки *бу қаланғи–қасанғилар Саволиклар билан бирга*. Саволиклар кўчманчи қабила бўлиб, жанубдан — Арабистон ярим оролидан келган бўлиши мумкин.

24:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг тўққизинчи йили ўнинчи ойи* — милоддан олдинги 589 йилнинг ўнинчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Табат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

24:2 *...Бобил шоҳи бугун Қуддусни қамал қилди* — 4 Шоҳлар 25:1 га қаранг.

24:5 *ўтин* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *суяклар*.

24:10 *...шўрваси қайнаб йўқ бўлсин* — ёки *...зираворлар қўшилсин*.

24:27 *...сен яна тилга кирасан* — 3:26-27, 33:21-22 га қаранг.

25:2 *Оммон* — бу юрт Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди.

25:8 *Мўаб* — бу юрт Ўлик денгизнинг шарқида жойлашган эди.

25:8 *Мўаб халқи* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Мўаб ва Сеир халқлари*. Сеир Эдом юртининг яна бир номи эди, Сеир номи ибронийча матндаги мазкур башоратда (шу бобнинг 8-11–оятларида) бошқа ишлатилмаган. Эдом халқи ҳақида башорат шу бобнинг 12-14–оятларида берилган.

25:12 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди.

25:13 *Темон шаҳри…Дедон шаҳри…* — Эдом халқининг жамики ерларини тасвирлашнинг бир йўли, яъни шимолдан жанубгача деган маънода келган. Темон — Эдом юртининг шимолида, Дедон Эдомдан жануби–шарқда жойлашган эди.

25:15 *Филистлар* — Исроил юртидан ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида яшаган халқ.

25:16 *Харет халқи* — ўша вақтда Филистлар шу ном билан ҳам аталарди. Бу ном Крит сўзидан олинган бўлиши мумкин. Филистларнинг аждодлари Крит оролидан келган эдилар (Еремиё 47:4, Амос 9:7 га ва ўша оятларнинг иккинчи изоҳига қаранг).

26:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг ўн биринчи йили* — милоддан олдинги 587 йил (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг).

26:2 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий ҳудудини ташкил қилади. Шаҳарнинг бир қисми қўрғон бўлиб, бу қўрғон кичкина оролда, денгиз қирғоғидан узоқ бўлмаган жойда қурилган эди.

26:5 *бу орол* — шу бобнинг 2–ояти изоҳига қаранг.

26:8 *қамал иншоотлари* — 4:2 изоҳига қаранг.

26:8 *…шаҳар деворига қиялатиб тупроқ уйдиради…* — 4:2 изоҳига қаранг.

26:20 *гўр* — *Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

27:2 *Тир* — 26:2 изоҳига қаранг.

27:5 *Хермон тоғи* — ибронийча матнда *Санир тоғи*, Хермон тоғининг қадимги номи (Қонунлар 3:9 га қаранг).

27:5 *Лубнондан келтирилган садр ёғочи* — 17:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

27:6 *Кипр* — ибронийча матнда *Киттим*, Кипрнинг қадимги номи.

27:8 *Сидон ва Арвод* — Сидон Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар эди. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу шаҳар Ливан мамлакатининг жанубий ҳудудини ташкил қилади. Арвод шаҳри ҳам, Тир шаҳри сингари, оролда қурилган бўлиб, Сидондан шимолда, Ўрта ер денгизининг қирғоғига яқин жойда жойлашган эди.

27:9 *Габол* — Библ номи билан ҳам маълум. Бу шаҳар Ўрта ер денгизи бўйида, Сидон шаҳридан шимолда жойлашган эди.

27:10 *Форс, Лидия ва Ливия* — ибронийча матнда бу юртларнинг қадимги номлари: *Фарас, Луд ва Фут*. Лидия ҳозирги Туркиянинг шарқида жойлашган эди.

27:11 *Хелек* — Киликия юртининг яна бир номи бўлиши мумкин. Бу юрт ҳозирги

Туркиянинг жанубида, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди.

27:12 *Таршиш* — ҳозирги Испаниянинг ҳудудида жойлашган бу бандаргоҳ шаҳар ўзининг катта ва ҳайбатли кемалари билан машҳур эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

27:13 *Юнонлар* — ибронийча матнда *Ёвон*, ўша вақтда Юнон халқи шу ном билан ҳам аталарди.

27:13 *Тувал ва Мешех* — бу халқлар ҳозирги Туркия ҳудудида яшаган.

27:14 *Тўхармо* — бу юрт ҳозирги Туркия ҳудудида жойлашган эди.

27:15 *Рўдон* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Дедон*, Арабистон ярим оролининг шимоли–ғарбида жойлашган шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудуд. Рўдон ороли Ўрта ер денгизида, ҳозирги Туркиянинг жануби–ғарбий чегарасини ташкил қилган қирғоқ яқинида жойлашган эди. География жиҳатдан мазкур ўринга тўғри келади.

27:15 *обнус ёғочи* — қимматбаҳо қора ёғоч.

27:16 *Орам* — ибронийча матндан. Баъзи иброний қўлёзмаларида ва қадимий сурёнийча таржимада *Эдом*.

27:18 *Хелбон* — Дамашқдан қарийб 20 километр шимолда жойлашган эди.

27:18 *оппоқ юнг* — ёки *Захардан келтирилган юнг*.

27:19 *Узол шаҳридан шароб келтириб…* — ёки *Узол шаҳридан Дан ва Ёвон халқлари…*. Ўша вақтда Юнон халқи Ёвон деб ҳам аталарди.

27:20 *Дедонликлар* — 25:13 изоҳига қаранг.

27:20 *от терлиги* — эгар остига қўйиладиган ёки эгар ўрнида ишлатиладиган мато.

27:21 *Кедар* — Арабистон саҳросидаги ерлар.

27:22 *Шава ва Рамо* — Арабистон ярим оролида жойлашган юртлар.

27:23 *…Хорон, Ханнох…Эден…Ошур ва Хилмад…* — бу бешта шаҳар Месопотамияда, яъни Дажла ва Фурот дарёлари орасидаги ҳудудда жойлашган эди. Қадимий юнонча таржимада *Шава* (Арабистон саҳросининг бир юрти) бу рўйхатга киритилмаган.

27:25 *Таршиш* — шу бобнинг 12–ояти изоҳига қаранг.

27:31 *…сочларини қирдиради, Қаноргa ўраниб олади…* — 7:18 изоҳига қаранг.

28:2 *Тир* — 26:2 изоҳига қаранг.

28:3 *Дониёр* — ёки *Данэл*. 14:14 изоҳига қаранг.

28:13 *Қизил ёқут…зумрад…* — ибронийча матнда айтиб ўтилган баъзи қимматбаҳо тошларнинг тури баҳсли.

28:21 *Сидон* — 27:8 изоҳига қаранг.

29:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг ўнинчи йили ўнинчи ойи* — милоддан олдинги 588 йилнинг ўнинчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Табат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

29:4 *балиқлар* — фиръавннинг аъёнлари ёки қўл остидагилари назарда тутилган. Улар фиръавн билан бирга ҳукм қилинадилар.

29:7 *...белларини чиқариб юбординг* — ёки *...йиқилишларига сабабчи бўлдинг*.

29:10 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

29:14 *Патрўс* — Миср жанубий ҳудудининг қадимги номи.

29:17 *Сургун бўлган пайтимизнинг йигирма еттинчи йили биринчи ойи* — милоддан олдинги 571 йилнинг биринчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

29:18 *...Навухадназар Тирга қарши шиддатли уруш олиб борди...* — милоддан олдинги 586 йилда Навухадназар Тир шаҳрини қамал қилди (26:7-14 га қаранг). Қамал ўн уч йил давом этди.

29:21 *...Мен Исроил халқининг қудратини тиклайман* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...Мен Исроил халқидан шох ўстириб чиқараман*. Эски Аҳдда буқанинг шохи кўпинча кўчма маънода ишлатилиб, кучли ҳукмдорга ёки ҳарбий қудратга ишора қилган.

30:3 *Менинг ғазаб куним* — ибронийча матнда *Эгамизнинг куни*, Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бир неча марта учрайдиган ибора. Кўпинча бу ибора Худо берадиган жазога ишора қилади. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

30:4 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш* (шу бобнинг 5, 9–оятларида ҳам бор). 29:10 изоҳига қаранг.

30:5 *Ливия, Лидия* — ибронийча матнда бу юртларнинг қадимги номлари: *Фут, Луд*. Лидия ҳозирги Туркиянинг шарқида жойлашган эди.

30:5 *Куб* — ёки *Луб* (Нохум 3:9 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

30:13 *Нуф* — Мемфис номи билан ҳам маълум. Мемфис шаҳри Миср шимолий ҳудудининг маркази бўлиб, Миср тарихида бирмунча вақт пойтахт ҳам бўлган эди.

30:14 *Патрўс* — Миср жанубий ҳудудининг қадимги номи.

30:14 *Нў* — Фива номи билан ҳам маълум. Фива шаҳри Миср жанубий ҳудудининг маркази бўлиб, Миср тарихида бирмунча вақт пойтахт ҳам бўлган эди.

30:17 *Он* — Гелиополь номи билан ҳам маълум.

30:17 *Пи–Башат* — Бубаст номи билан ҳам маълум.

30:20 *Сургун бўлган пайтимизнинг ўн биринчи йили биринчи ойи* — милоддан олдинги 587 йилнинг биринчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

31:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг ўн биринчи йили учинчи ойи* — милоддан олдинги 587 йилнинг учинчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Шавон ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан майнинг ўртасидан бошланади.

31:3 *Лубнондаги садр дарахти* — 17:3 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

31:11 *ажнабий ҳукмдор* — Бобил шоҳи Навухадназар назарда тутилган. Милоддан олдинги 568 йилда у Мисрни босиб олганди.

31:15 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл* (шу бобнинг 16, 17–оятларида ҳам бор). 26:20 изоҳига қаранг.

32:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг ўн иккинчи йили ўн иккинчи ойи* — милоддан олдинги 585 йилнинг ўн иккинчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Адар ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан февралнинг ўртасидан бошланади.

32:17 *Ўша ой* — шу бобнинг 1–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

32:18 *...гўрдаги марҳумлар олдига...* — *Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди. Яна шу бобнинг 21, 23–оятларига қаранг.

32:21 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Шу бобнинг 18–ояти изоҳига қаранг.

32:24 *Элам* — бу юрт Бобил юртидан жануби–шарқда, ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган эди.

32:26 *Мешех билан Тувал* — 27:13 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

32:27 *Қадимда қаҳрамонлар...* — қадимий юнонча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Суннатсиз қаҳрамонлар...*.

32:27 *...қаҳрамонларни...дафн қилишар эди* — ибронийча матнда *...қаҳрамонлар...Шеўлга равона бўлган*. Шу бобнинг 18–ояти изоҳига қаранг.

32:27 *...танасини қалқон билан ёпишар эди* — ёки *...гуноҳлари учун олган жазоси таналари устида қолган*.

32:30 *Шимолдаги салтанатларнинг ҳамма шаҳзодалари* — Финикиялик ва Орамлик ҳукмдорлар назарда тутилган бўлиши мумкин.

33:8 *...ўз гуноҳи дастидан...* — ёки *...ўз гуноҳларида...* (шу бобнинг 9–оятида ҳам бор).

33:21 *Сургун бўлган пайтимизнинг ўн иккинчи йили ўнинчи ойи* — милоддан олдинги 586 йилнинг ўнинчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Табат ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан декабрнинг ўртасидан бошланади.

33:22 *...Эгамиз менга гапириш иқтидорини қайтариб берган эди* — 3:26-27, 24:26-27 га қаранг.

33:25 *...сизлар қони чиқарилмаган гўштни тановул қиласизлар...* — Тавротда бундай гўштни ейиш қатъиян ман этилган (Левилар 17:10-14 га қаранг).

34:12 *Булутли, қоронғи кун* — шоҳ Навухадназар Қуддусни забт этиб, Қуддус аҳолисини Бобилга сургун қилган пайтга ишора.

34:26 *Муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 17:23 изоҳига қаранг.

35:2 *Сеир тоғлари* — Эдом юртига қарашли бўлган тоғли ҳудуд. Мазкур оятда бутун Эдом юрти назарда тутилган (шу бобнинг 15–оятига қаранг).

36:13 *'Исроил юрти ўз одамларини нобуд қилади, ўз халқини фарзандларидан жудо*

қилади’ — 5:14-17 га қаранг.

36:17 *...ҳайз кўрган аёлдай нопок эди* — Левилар 15:19 га қаранг.

37:5 *нафас* — бу ўриндаги ибронийча сўз *руҳ* ва *шамол* маъноларини ҳам ифодалайди (шу бобнинг 6, 8, 9, 10, 14–оятларида ҳам бор).

37:9 *шамол* — шу бобнинг 5–ояти изоҳига қаранг.

37:12 *қабрларингиз* — халқнинг Бобилдаги сургун пайтига ишора.

37:14 *Руҳ* — шу бобнинг 5–ояти изоҳига қаранг.

37:16 *«Яҳудо шоҳлиги»* — ибронийча матнда *«Яҳудо ва Исроил халқидан Яҳудога тегишли бўлганлар»*. Бу ерда Ҳизқиёл жанубий шоҳликни назарда тутган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

37:16 *«Исроил шоҳлиги»* — ибронийча матнда *«Юсуф ва унга тегишли Исроил халқидан бўлганлар, яъни Эфрайимни билдирувчи таёқ»*. Бу ўринда Ҳизқиёл шимолий шоҳликни назарда тутган. Юсуфнинг ўғли Эфрайим — Эфрайим қабиласининг асосчиси бўлган. Бу қабила Исроилнинг шимолий қисмидаги энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭФРАЙИМ сўзига қаранг.

37:19 *Исроил шоҳлигини билдирувчи таёқ* — ибронийча матнда *Юсуфни ва унга тегишли Исроил қабилаларини билдирувчи таёқ, яъни Эфрайимнинг қўлидаги таёқ*. Шу бобнинг 16–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

37:23 *Мен уларни садоқатсизлик айбидан халос этаман* — кўплаб иброний қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Улар гуноҳ қилиб яшаган ҳамма масканлардан Мен уларни халос қиламан*.

38:2 *Мешех ва Тувал* — 27:13 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

38:2 *Мешех ва Тувал халқларининг бош ҳукмдори* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Рўш, Мешех ва Тувал халқларининг ҳукмдори*. Шу бобнинг 3–оятида ҳам бор.

38:5 *Форслар, Ҳабашистонликлар ва Ливияликлар* — ибронийча матнда бу юртларнинг қадимги номлари: *Фарас, Куш ва Фут*. Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

38:6 *Гўмер халқи* — бу халқ Қора денгизнинг шимоли–шарқида, ҳозирги Россия ҳудудида яшаган.

38:6 *Тўхармо юрти* — бу юрт ҳозирги Туркия ҳудудида жойлашган эди.

38:12 *жаҳон чорраҳаси* — ёки *жаҳон чўққиси*, яъни баланд, хатарсиз жой маъносида келган.

38:13 *Шава ва Дедон* — Арабистон ярим оролида жойлашган юртлар.

38:13 *Таршиш* — ҳозирги Испаниянинг ҳудудида жойлашган бу бандаргоҳ шаҳар ўзининг катта ва ҳайбатли кемалари билан машҳур эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

38:13 *зодагонлар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *ёш арслонлар*.

39:1 *Мешех ва Тувалнинг бош ҳукмдори* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *Рўш, Мешех ва Тувал ҳукмдори*.

39:25 *...Мен Ёқуб наслини яна фаровонликка эриштираман* — ёки *...Мен Ёқуб наслини асирликдан озод қилиб, она юртига қайтариб олиб келаман*.

40:1 *Сургун бўлган пайтимизнинг йигирма бешинчи йили биринчи ойи* — милоддан олдинги 573 йилнинг биринчи ойи (1:1-3 га ва ўша оятларнинг охирги изоҳига қаранг). Иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

40:5 *...ҳар бир узун тирсак бир тирсагу тўрт энли эди* — бир тирсак тахминан 45 сантиметрга, тўрт эн тахминан 8 сантиметрга тўғри келади. Демак, узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. Ушбу китоб давомида "тирсак" сўзи узун тирсакка нисбатан ишлатилган. Ҳизқиёл ваҳийда кўрган Маъбаднинг лойиҳаси луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимида берилган.

40:17 *ўттизта ҳужра* — сажда қилувчилар бу ҳужраларда йиғилиб, қурбонлик гўштини тановул қилишарди (мисол учун, Еремиё 35:2 га қаранг).

40:39 *гуноҳ қурбонлиги* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

40:39 *айб қурбонлиги* — Левилар 5:14-19 га қаранг. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган АЙБ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

40:44 *...иккита хона қурилган эди* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *...қўшиқчилар учун хоналар қурилган эди*.

40:44 *жанубий* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *шарқий*.

40:48 *Остонанинг эни 14 тирсак, остона ён деворларининг узунлиги 3 тирсак чиқди* — қадимий юнонча таржимадан (яна 41:1-3 га қаранг). Ибронийча матнда *Остонанинг эни 14 тирсак* деган гап йўқ.

40:49 *...эни 12 тирсак эди. Айвонга ўн поғонали зинапоя олиб борар эди* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *...эни 11 тирсак эди. Айвонга зинапоя олиб борар эди*.

41:1 *ўша одам* — 40:3 га қаранг.

41:1 *асосий хона* — яъни Муқаддас хона.

41:1 *тирсак* — узун тирсак назарда тутилган. Бир узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. 40:5 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

41:21 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

41:23 *Энг муқаддас хона* — яна ички хона деб аталган (шу бобнинг 4–оятига қаранг).

42:1 *ўша одам* — 40:3 га қаранг.

42:2 *тирсак* — узун тирсак назарда тутилган. Бир узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. 40:5 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

42:3 *эни 20 тирсак бўлган ички ҳовлининг очиқ жойи* — 41:9-10 га қаранг.

42:3 *Маъбаднинг тош ётқизилган ташқи ҳовлиси* — 40:17 га қаранг.

42:4 *100 тирсак* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *1 тирсак*.

42:10 *Жануб* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Шарқ*.

43:1 *Ўша одам* — 40:3 га қаранг.

43:1 *шарқий дарвоза* — Маъбаднинг олд томонида жойлашган.

43:3 *кўрган ваҳийларим* — 1:1-28, 9:1-10:22, 11:22-25 га қаранг.

43:13 *...ҳар бир узун тирсак бир тирсагу тўрт энни ташкил қилиб...* — бир тирсак тахминан 45 сантиметрга, тўрт эн тахминан 8 сантиметрга тўғри келади. Демак, узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. Ҳизқиёл китобининг давомида "тирсак" сўзи узун тирсакка нисбатан ишлатилган.

43:24 *туз* — ўзгармаслик рамзи бўлиб, Худо ва Унинг халқи орасидаги аҳднинг барқарорлигини билдиради (Левилар 2:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

44:1 *Ўша одам* — 40:3 га қаранг.

44:7 *...юраги...суннат қилинмаган...* — яъни Худога чин юракдан садоқатли ва итоаткор бўлмаган (Еремиё 4:4 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

44:19 *...токи халқ муқаддас кийимларга қўл теккизмасин* — Маъбаднинг муқаддаслигига бўлган юксак эҳтиромни сақлаш мақсадида оддий халқ Маъбаддаги муқаддас ашёларга қўл теккизмаслиги керак эди. Табаррук ашёларга қўл теккизган одам ўзини ўзи жазога маҳкум этарди (Саҳрода 4:15, 1 Шоҳлар 6:19, 2 Шоҳлар 6:6-7 га қаранг).

45:1 *тирсак* — узун тирсак назарда тутилган. Бир узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. 43:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

45:1 *20.000 тирсак* — қадимий юнонча таржимадан (яна шу бобнинг 3-5–оятларига ва 48:9-13 га қаранг). Ибронийча матнда *10.000 тирсак*.

45:5 *Улар яшайдиган шаҳарлар шу ерда жойлашади* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Уларнинг ўзларига 20 хона ажратилади*.

45:10 *...тўғри ўлчовни...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...тўғри эфани ва тўғри батни...* (шу бобнинг 11–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

45:11 *...эфа...бат...ҳўмр...* — қадимда ҳажмни ўлчаш учун ишлатилган ўлчов бирликлари. Эфа ҳам, бат ҳам тахминан 22 литрга, ҳўмр эса 220 литрга тўғри келади.

45:12 *Бир шақал 20 герага, бир мина 60 шақалга тўғри келсин* — қадимда оғирликни ўлчаш учун шақал, гера ва мина ўлчов бирликларидан фойдаланилган. Мина 50 шақалга тўғри келарди, бироқ бу вазиятда Бобилдаги ўлчов бирликлари ишлатилган бўлиши мумкин. 20 гера тахминан 11 граммга, 60 шақал тахминан 660 граммга тўғри келади.

45:13 *...олтмишдан бир қисми* — ибронийча матнда *...ҳар бир ҳўмрдан эфанинг олтидан бир қисми* (шу оятнинг давомида ҳам бор). Шу бобнинг 11–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

45:14 *...бир фоизи* — ибронийча матнда *...ҳар бир кордан батнинг олтидан бир қисми*. Қадимда *кор* суюқликларнинг ўлчов бирлиги бўлиб, ҳажми бир ҳўмрга, яъни 220 литрга тўғри келарди.

45:14 *Ўн бат...бир ҳўмр...* — шу бобнинг 11–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

45:18 *Биринчи ой* — иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан

мартнинг ўртасидан бошланади.

45:19 *кесаки* — эшик ўрнатилган чорчўп.

45:21 *...Фисиҳ зиёфати...Хамиртурушсиз нон байрами...* — Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлганини нишонлаш учун ўтказиларди (Чиқиш 12:1-42, 13:3-10 га қаранг).

45:24 *бир тоғора* — ибронийча матнда *бир эфа*, тахминан 22 литрга тўғри келади.

45:24 *саккиз коса* — ибронийча матнда *бир хин*, тахминан 4 литрга тўғри келади.

45:25 *Еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

45:25 *Чайла байрами* — бу байрам кузда йиғим–терим тугаган пайтга тўғри келади.

46:5 *бир тоғора* — ибронийча матнда *бир эфа*, тахминан 22 литрга тўғри келади.

46:5 *саккиз коса* — ибронийча матнда *бир хин*, тахминан 4 литрга тўғри келади.

46:14 *олти коса* — ибронийча матнда *эфанинг олтидан бир қисми*, тахминан 3,7 литрга тўғри келади.

46:14 *уч коса* — ибронийча матнда *хиннинг учдан бир қисми*, тахминан 1,3 литрга тўғри келади.

46:17 *Қутлуғ йил* — Исроил халқи табаррук деб билган йил. Шу йил давомида ҳамма мулк ўзининг асл эгаларига қайтариб берилиши керак эди (Левилар 25:8-55, 27:17-24 га қаранг).

46:19 *ўша одам* — 40:3 га қаранг.

46:19 *Сўнг ўша одам мени...бошлаб борди* — Ҳизқиёл Маъбад олдидан шимолдаги дарвоза томон юриб (44:4 га қаранг), дарвозадан чиққандан кейин ғарбга бурилди.

46:20 *...халқ муқаддас назрларга қўл теккизмаслиги учун...* — 44:19 изоҳига қаранг.

46:22 *тирсак* — узун тирсак назарда тутилган. Бир узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. 43:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

47:1 *Ўша одам* — 40:3 га қаранг.

47:3 *тирсак* — узун тирсак назарда тутилган. Бир узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. 43:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

47:8 *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба*. Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

47:10 *...Эн–Гедидан Эн–Эхлайимгача...* — Ўлик денгизнинг ғарбий қирғоғи, қирғоқнинг ўртасидан то шимоли–ғарбгача бўлган қисм.

47:10 *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *Буюк денгиз* (шу бобнинг 15, 17, 19, 20–оятларида ҳам бор).

47:13 *Юсуф авлодлари* — Эфрайим ва Манаше қабилалари назарда тутилган. Бу қабилалар Юсуфнинг иккита ўғлидан келиб чиққан.

47:15 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони* (шу бобнинг 20–оятида ҳам бор).

47:15-16 *...сўнг Лево–Хомат орқали ўтиб, Задод шаҳригача давом этади. [16] Кейин*

Дамашқ ва Хомат оралиғидаги… — қадимий юнонча таржимадан (яна 48:1 га қаранг). Ибронийча матнда *…сўнг Задод шаҳрига олиб борадиган йўл бўйлаб давом этади. [16] Кейин Хомат, Дамашқ ва Хомат оралиғидаги….*

47:19 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги Ариш сойлиги ёки Нил дарёсининг шарқий ирмоғи назарда тутилган (яна Ибтидо 15:18, Саҳрода 34:5 ва Ёшуа 13:3, 15:4, 47 га қаранг).

47:22 *…қуръа бўйича…* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

48:1 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

48:8 *тирсак* — узун тирсак назарда тутилган. Бир узун тирсак тахминан 53 сантиметрга тўғри келади. 43:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

48:9 *20.000 тирсак* — қадимий юнонча таржиманинг битта қўлёзмасидан (яна шу бобнинг 10-13–оятларига ва 45:1-5 га қаранг). Ибронийча матнда *10.000 тирсак*.

48:13 *20.000 тирсак* — шу бобнинг 9–ояти изоҳига қаранг.

48:28 *Миср чегарасидаги ирмоқ* — 47:19 изоҳига қаранг.

48:28 *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *Буюк денгиз*.

ДОНИЁР
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Мазкур китобнинг бош қаҳрамони Дониёр пайғамбардир. У иброний зодагонларининг оиласида таваллуд топиб, улғаяди ва милоддан олдинги 605 йилда бошқа асирлар қаторида шоҳ Навухадназар томонидан Бобилга сургун қилинади. Дониёр Бобил шоҳининг саройида хизмат қила бошлайди. Милоддан олдинги 539 йилда Мидия ва Форс қўшинлари Бобил тахтини эгаллаганларидан кейин ҳам, Дониёр саройдаги хизматини давом эттиради.

Китобнинг биринчи қисмида (1-6–боблар) муаллиф бизга ўспирин Дониёрни ва унинг уч дўстини таништиради, уларнинг тиришқоқлиги, истеъдоди ва диёнати ҳақида сўз юритиб, Бобил саройида юз берган ҳодисалар ҳақида бизни бохабар қилади. Шунингдек, жаҳон халқларининг тақдири ва Худонинг абадий ҳукмронлиги ҳақида сўз юритади. Ушбу китобда Дониёр ва унинг уч дўсти Бобил ҳукуматида юксак обрў–эътиборга эга бўлганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг ҳаёти бир неча марта хавф остида қолади, шунга қарамай, улар Худога охиригача содиқ қолишади. Бобил шоҳлиги бирлашган Мидия ва Форс шоҳлигига мағлуб бўлгандан кейин, Дониёрнинг янги ҳукуматга хизмат қилиши ҳам китобнинг шу қисмида баён қилинади.

Китобнинг иккинчи қисми (7-12–боблар) Дониёрга келган ваҳийлардан ва фариштa унга айтган ваҳий таъбирларидан ташкил топган. Бу ваҳийларда жаҳон халқларининг тақдири, яҳудий халқининг келажаги ва Худонинг абадий ҳукмронлиги ҳақида сўз юритилади. Келажакда тарих саҳнасига чиқадиган буюк империяларнинг ҳукмронлиги ва яҳудийлар уларга тобе бўлиши мажозий маънода баён қилинади. Ҳозирда биз ўтмишга назар ташлаб, бу ваҳийларнинг аксарият қисми амалга ошган, деб ишонч билан айта оламиз.

Хуллас, китобнинг асосий ғояси қуйидагилардан иборат: инсоният тақдирини Худо бошқаради. Худо шоҳликларни қудратли қилади, вақти келганда эса уларни мағлуб қилади. Тарих саҳнасига чиққан буюк Бобил ва Форс империялари, енгилмас Искандар Зулқарнайн ҳокимияти ва Рим ҳукмронлиги келди–ю–кетди, Худонинг Ўз халқи орқали ўрнатган самовий шоҳлиги эса абадий барқарор турибди.

Дониёр ва унинг дўстлари бошидан ўтган воқеалар

(1:1-6:28)

1–БОБ

Ўспиринлар шоҳ Навухадназар саройида

[1] Яҳудо* шоҳи Ёҳайиқим ҳукмронлигининг учинчи йилида* Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусга қўшин тортиб келиб, шаҳарни қамал қилди. [2] Раббий Ёҳайиқимни Навухадназарнинг қўлига берди*. Навухадназар Худонинг уйидаги айрим идишларни ўлжа қилиб, Бобил* юртига олиб борди–да, идишларни ўз худосининг уйидаги хазинага жойлаштирди.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

3 У саройнинг бош мулозими* Ашнапазга шундай буйруқ берган эди: “Исроил
халқидан олинган асирлардан шоҳ ва зодагонларнинг оилаларига мансуб бўлган
4 йигитларни олиб кел. Улар ёш, жисмонан соғлом, хушқомат, зеҳни ўткир,
қобилиятли, фаросатли, хуллас, шоҳ саройида хизмат қилишга лаёқатли
бўлишсин. Сен уларга бобил тилини* ва адабиётини ўргатишинг керак. 5 Ҳар
кунги егулик билан шароб уларга менинг дастурхонимдан берилсин. Улар уч йил
таълим олишгач, менинг ҳузуримда ҳозир бўлишлари лозим.”
6 Танланганларнинг орасида Яҳудо қабиласидан бўлган Дониёр, Хананиё,
Мишаил ва Озариё исмли ўспиринлар бор эди. 7 Бош мулозим уларнинг
исмларини ўзгартириб, Дониёрни — Белташазар, Хананиёни — Шадрах,
Мишаилни — Мешах, Озариёни эса Абеднаху деб атади.
8 Дониёр шоҳона егулик ва шаробдан булғанишни хоҳламади*. Бу таомлардан
у воз кечмоққа аҳд қилиб, бош мулозимдан бунинг учун ижозат сўради.
9 Худонинг иродаси билан Дониёр бош мулозимнинг мурувватию илтифотига
сазовор бўлган эди. 10 Аммо бош мулозим Дониёрнинг таклифини эшитиб лол
қолди ва деди: “Йўқ, егулик билан ичимликларни сизларга* шоҳ ҳазратларининг
ўзлари белгилаганлар. Ҳазратимнинг буйруқларидан бош тортишдан қўрқаман.
Борди–ю, кўринишларинг тенгдошларингникидан ёмонроқ бўлса, менинг
жонимни хавф остига қўйган бўласизлар.”
11 Кейин Дониёр бу масала хусусида бош мулозим тайинлаган соқчи билан
гаплашди, чунки бу соқчи Дониёр ва унинг уч оғайниси учун масъул бир одам
эди. У соқчига шундай деди: 12 “Илтимос, қулларингизни ўн кун давомида синаб
кўринг. Бизга егани сабзавот, ичгани сув беринг. 13 Кейин эса бизни шоҳона
егуликни еган йигитлар билан солиштириб кўринг, сўнг билганингизни
қилаверинг.”
14 Соқчи рози бўлиб, уларни ўн кун давомида сабзавотлар билан боқди. 15 Ўн
кун ўтгач, уларнинг гавдалари тўлишиб, шоҳона егулик еган бошқа йигитлардан
анча кўркам бўлди. 16 Шундай қилиб, соқчи уларнинг шоҳона егуликлари ва
шаробини ўзига олиб қолиб, уларга фақат сабзавотлар берадиган бўлди.
17 Худо бу тўртта йигитга адабиёт ва фалсафанинг ҳар соҳасини фаҳмламоқ
учун билим ва истеъдод берган эди. Бундан ташқари, Дониёр турли хил ваҳий ва
тушларни таъбирлаш қобилиятига эга эди.
18 Шоҳ белгилаган муддат тугагач, бош мулозим ҳамма йигитларни
Навухадназар ҳузурига олиб борди. 19 Шоҳ уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашди.
Улар орасида ҳеч ким Дониёр, Хананиё, Мишаил ва Озариёга тенг кела олмасди.
Шунинг учун шоҳ уларни ўз саройида олиб қолди. 20 Шоҳ қандай савол бермасин
ва қандай жумбоқни ечишни сўрамасин, уларнинг билими ва донолиги бутун
шоҳликдаги фолбину мунажжимларникидан ўн баробар зиёда эди. 21 Дониёр
саройда шоҳ Куруш ҳукмронлигининг биринчи йилигача* хизмат қилди.

2–БОБ

Навухадназарнинг туши

1 Навухадназар ўз ҳукмронлигининг иккинчи йилида* бир туш кўрди. Бу туш
уни шу қадар безовта қилиб юбордики, кўзига бошқа уйқу келмади. 2 Шоҳ
тушининг таъбирини билиш учун қўли остидаги барча фолбин, мунажжим,
сеҳргар ва афсунгарларни* чақиртирди. Улар шоҳ ҳузурида ҳозир бўлганларида,
3 шоҳ уларга шундай деди:
— Мен ғалати бир туш кўрдим. Юрагимга ғулғула солган бу тушнинг

таъбирини билмоқчиман.
4 Улар шоҳга орамий тилида дедилар*:
— Шоҳ ҳазратларининг умри боқий бўлсин! Шоҳ ҳазратлари аввал тушларини айтсинлар, бу қулларингиз уни таъбирлашга тайёрдирлар.
5 — Билиб қўйинглар, — деди уларга шоҳ. — Агар менга туш ва унинг таъбирини айтиб бермасангиз, мен таналарингизни бўлак–бўлак қилдириб, сизларни жазолайман, уйларингизни эса вайрон қилиб, бир уюм тошга айлантираман. 6 Борди–ю, тушимни айтиб, уни таъбирлаб берсангиз, сизларга инъому мукофотлар бериб, иззат–икром кўрсатаман. Қани, энди менга кўрган тушимни ва унинг таъбирини айтиб беринглар!
7 Улар шоҳга иккинчи марта дедилар:
— Шоҳ ҳазратлари аввал тушларини айтсинлар, каминаларингиз уни таъбирлашга тайёрдирлар.
8 — Сизлар қарорим қатъий эканини кўриб, вақтни чўзмоқчисизлар, — деди шоҳ. — Буни аниқ билиб турибман. 9 Агар тушимни айтиб бермасангизлар, ҳаммангизга жазо битта! Сизлар мени лақиллатиб, вазият ўзгаргунча вақтни чўзишга келишиб олгансизлар. Тушни менга айтиб беринглар, шунда уни таъбирлай олишингизни ҳам биламан.
10 — Ер юзида шоҳнинг бу талабини қондирадиган биронта жон бормикан?! — дея ажабландилар улар. — Шуҳрати рўйи заминга ёйилган шоҳларнинг биронтаси ҳам бундай нарсани на фолбин, на мунажжим, на афсунгардан талаб қилган. 11 Шоҳ ҳазратлари биздан имконсиз бир нарсани талаб қиляптилар. Буни шоҳга фоний бандалар дунёсидан йироқ яшайдиган худолардан бошқа ҳеч ким очиб беролмайди.
12 Дарғазаб бўлган шоҳ: “Бобилдаги барча сарой маслаҳатчилари қатл қилинсин!” — деб фармон берди. 13 Фармон эълон қилинди. Сарой маслаҳатчилари қатл қилиниш арафасида эди. Дониёр ва унинг ўртоқлари ҳам қатл қилинишлари керак эди.

Навухадназарнинг туши Дониёрга ошкор бўлади

14 Шоҳ соқчиларининг бошлиғи Ориёх сарой маслаҳатчиларини қатл қилмоқ учун йўлга чиққанда, Дониёр унинг олдига бориб, эҳтиёткорлик билан мурожаат қилиб: 15 “Эй Ориёх ҳазратлари, нима боис шоҳ бундай шошилинч* фармон чиқардилар?” — деб сўради. Шунда Ориёх бўлиб ўтган воқеани унга бирма–бир сўзлаб берди. 16 Дониёр шоша–пиша шоҳ ҳузурига кириб, тушнинг таъбирини топмоқ учун ҳазратларидан муҳлат сўради. 17 Сўнг уйга бориб, бўлиб ўтган воқеани шериклари Хананиё, Мишаил ва Озариёларга айтиб берди: 18 “Сарой маслаҳатчилари билан бирга ҳалок бўлмаслигимиз учун, Самовий Худога илтижо қилинглар. У бизга раҳм қилиб, бу сирни очиб беришини сўранглар.”
19 Ўша кеча Дониёрга бу сир ваҳий орқали ошкор бўлди ва Дониёр Самовий Худога ҳамду санолар айтди:

20 “Худойимиз доно ва қудратлидир,
Асрлар оша Унинг номи улуғлансин!
21 У замон ва даврларни ўзгартирар,
Шоҳларни тахтдан тушириб тахтга ўтқазар.
Донишмандларга донолик,
Оқилу фозилларга билим берар.
22 Пинҳон сақланган сирларни очар,
Зулматда яширинган нарсаларни билар,

Ёруғлик Унинг даргоҳида маскан топар.
23 Эй ота–боболаримнинг Худоси,
Сенга шукурлар айтаман, мадҳлар куйлайман,
Зеро, донолигу қудратни менга берган Сенсан,
Истаган нарсамни менга очган Сенсан,
Шоҳ тушини бизга ошкор қилган Сенсан.”

Дониёр шоҳга туш билан унинг таъбирини айтади

24 Дониёр сарой маслаҳатчиларини қатл қилиш учун шоҳ томонидан тайинланган Ориёхнинг олдига бориб:

— Ҳазратим, сарой маслаҳатчиларининг жонларига зинҳор қасд қилманг, — деди. — Мени дарҳол шоҳ ҳузурига олиб киринг, мен шоҳ ҳазратлари кўрган тушни таъбирлаб бераман.

25 Ориёх зудлик билан Дониёрни шоҳ ҳузурига олиб кириб:

— Эй олампаноҳ, каминангиз Яҳудо асирлари орасидан тушингизни таъбирлаб берадиган бир одамни топиб келди, — деди.

26 Шоҳ Дониёрга юзланиб (Дониёрнинг бошқа исми Белташазар эди*):

— Сен менга кўрган тушимни ҳамда унинг таъбирини айтиб бера оласанми? — деди.

27 Дониёр шоҳга шундай жавоб берди: “Эй ҳазрати олийлари, на сарой маслаҳатчиси, на мунажжим, на фолбин, на раммол* бунинг уддасидан чиқа олади. 28 Лекин самода шу каби, сирларни ошкор қила оладиган бир Худо бордир. У сизга, эй шоҳ ҳазратлари, охиратда бўладиган нарсаларни аён қилмоқчи. Сиз тушингизда кўрган ваҳий қуйидагича эди:

29 Эй олампаноҳ, сиз ухлаб, келажак ҳақида бир туш кўрдингиз. Бу туш орқали сирларни ошкор қилувчи Худо сизга келажакда рўй берадиган нарсаларни аён қилди. 30 Бу сирнинг менга очилганлиги эса донолигим бошқаларникидан зиёда бўлгани учун эмас, балки шоҳаншоҳим кўрган тушининг таъбирини билиб, унинг маъносини тушунишлари учундир.

31 Эй шоҳ ҳазратлари, тушингизда сиз баҳайбат бир ҳайкал кўрдингиз. Олдингизда турган ўша улкан ҳайкалнинг кўриниши ниҳоятда ярқироқ ва қўрқинчли эди. 32 Ҳайкалнинг боши тоза олтиндан, кўкрак ва қўллари кумушдан, бели ва сонлари бронзадан, 33 болдирлари темирдан, оёқларининг бир қисми лойдан, бир қисми темирдан эди. 34 Унга қараб турганингизда, тоғдан ўз–ўзидан* узилган бир тош думалаб келиб ҳайкалнинг лой ва темирдан бўлган оёқларига урилди–да, уларни парча–парча қилди. 35 Темир, лой, бронза, кумуш ва олтин парчаланиб, ёзги хирмонлардаги тўпондай бўлди. Шамол уларни учириб кетиб, ҳеч бир асар қолдирмади. Ҳайкалга урилган тош эса катта тоғ бўлиб, бутун ер юзини қоплади.

36 Бу сиз кўрган туш эди. Энди эса шоҳ ҳазратлари тушининг таъбирини эшитсинлар. 37 Эй шоҳ ҳазратлари, сиз каби буюк ҳукмдорни дунё ҳали кўрмаган. Самовий Худо сизга салтанат, куч–қудрат ва шон–шуҳрат ато қилгандир. 38 У сизга ерда яшовчи барча инсонларни, ҳатто даштдаги ёввойи ҳайвонлару осмонда учувчи қушларни тобе қилган, улар устидан ҳукмронлигингизни мустаҳкам ўрнатган. Тилла бош — сизсиз. 39 Аммо сиздан кейин жаҳон саҳнасига бошқа буюк бир шоҳлик чиқади. Бу шоҳлик сизникидан заифроқ бўлади. Сўнг ҳайкалнинг бронза бели ва сонлари билан ифодаланган учинчи шоҳлик ҳукмронлик қилади. 40 Ундан кейин темирдай қаттиқ тўртинчи шоҳлик бўлади. Темир ҳамма нарсани синдириб йўқ қилганидай, ўша шоҳлик ҳам ундан олдинги шоҳликларни бузиб, йўқ қилади. 41 Сиз ҳайкалнинг оёқлари ва оёқ

бармоқларининг бир қисми лойдан, бир қисми темирдан эканлигини кўрдингиз, бу бўлинган шоҳлик бўлади. Лой билан темир бирга қорилгани учун бу шоҳликда бир оз темирнинг кучи бўлади. 42 Шоҳлик айрим жиҳатдан кучли, айрим жиҳатдан заиф бўлади. 43 Темир билан лойнинг қоришмаси яна шундан далолат берадики, ўша замон ҳукмдорлари қуда–андачилик йўли билан шоҳликларини мустаҳкам қилмоқчи бўладилар, аммо темир лой билан қовушмагани каби, улар ҳам бир–бири билан қовуша олмайдилар. 44 Ўша шоҳларнинг даврида Самовий Худо битмас–туганмас бир шоҳлик ўрнатади. Ҳеч ким уни енга олмайди. Бу шоҳлик бошқа барча шоҳликларни ер билан яксон қилиб, ўзи абадий туради. 45 Тоғдан ўз–ўзидан думалаб тушиб, темир, бронза, лой, кумуш ва олтинни парчалаб ташлаган тош ўша шоҳликнинг ифодасидир. Буюк Худо сизга, эй шоҳ ҳазратлари, келажакда содир бўладиган нарсаларни аён қилди. Сиз кўрган тушингиз ҳақиқатан ҳам карамоатли, таъбири эса рўйиростдир*.”

Шоҳ Навухадназар Дониёрни тақдирлайди

46 Шоҳ Навухадназар мук тушиб Дониёрга сажда қилди. Сўнг одамларига Дониёр олдида назрлар келтириб, хушбўй тутатқилар тутатишни буюрди. 47 Шоҳ Дониёрга деди:

— Чиндан ҳам сенинг Худойинг сирларни ошкор қилувчи энг буюк Худодир, У шоҳларнинг ҳақиқий Эгасидир, чунки бу сирни менга фақат сен ошкор қила олдинг!

48 Шоҳ Дониёрни юқори мансабга кўтариб, кўпдан–кўп инъомлар тақдим қилди, уни Бобил вилоятининг ҳокими ва сарой маслаҳатчиларининг бошлиғи қилиб тайинлади. 49 Дониёрнинг илтимосига биноан шоҳ Бобил вилоятининг бошқарувини Шадрах, Мешах ва Абеднахуга топширди. Дониёрнинг ўзи эса шоҳ саройида хизмат қилиб қолди.

3–БОБ

Навухадназар ясаттирган олтин ҳайкал

1 Шоҳ Навухадназар соф олтиндан улкан бир ҳайкал ясаттирди. Баландлиги олтмиш тирсак, эни эса олти тирсак* бўлган бу ҳайкал Бобил вилоятидаги Дурах текислигида* ўрнатилди. 2 Сўнг қўли остидаги барча ноиблар, ҳокимлар, беклар, аъёнлар, хазинабонлар, қозилар, маъмурлар ва вилоятларнинг амалдорларини чақиртириб, ўрнатган ҳайкалнинг очилишида қатнашишларини буюрди. 3 Бу барча амалдорлар* шоҳ Навухадназар ўрнатган ҳайкалнинг очилишига йиғилганларида, 4 жарчи баланд овозда шундай эълон қилди: “Эй барча халқлар, элатлар ва уруғлар! 5 Ҳозир созандаларимиз карнай, най, лира, чанг, арфа, доира ва бошқа чолғу асбобларини чаладилар, сизлар эса мук тушиб шоҳ Навухадназар ўрнатган олтин ҳайкалга сажда қиласизлар. 6 Кимки мук тушиб сажда қилмаса, ўша заҳотиёқ оловли чуқурликка ташланади.” 7 Чолғу асбобларининг* садоларини эшитгач, барча халқлар, элатлар ва уруғлар мук тушиб, шоҳ Навухадназар ўрнатган ҳайкалга сажда қилдилар.

Дониёрнинг уч оғайниси итоатсизликда айбланади

8 Яҳудийларни қоралаш ниятида юрган айрим Бобилликлар* учун қулай бир вазият туғилган эди. Бундай фурсатни бой бермаслик учун улар 9 шоҳ Навухадназарга шундай дедилар: “Шоҳ ҳазратларининг умри боқий бўлсин! 10 Эй шоҳ ҳазратлари, сиз берган амрингизга биноан чолғу асбобларининг садоларини эшитган ҳар бир одам мук тушиб олтин ҳайкалга сажда қилиши керак эди,

шундай эмасми? [11] Сиз, амримга итоат қилмаган ҳар қандай киши оловли чуқурликка ташланади, деб айтган эдингиз. [12] Аммо айрим яҳудийлар, хусусан, сиз Бобил вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган Шадрах, Мешах ва Абеднаху шоҳ ҳазратларининг амрига бўйсунмадилар. Бу одамлар худоларингизга сиғинмайдилар, улар ҳатто сиз ўрнатган олтин ҳайкалга сажда қилишни ҳам ўзларига эп кўрмадилар.”

[13] Бу хабардан ғазабланиб кетган Навухадназар Шадрах, Мешах ва Абеднахуни ўз ҳузурига келтиришни буюрди. Улар шоҳ ҳузурига келтирилганда, [14] Навухадназар уларга деди:

— Шадрах, Мешах ва Абеднаху, сизлар менинг худоларимга сиғинмаганингиз ва мен ўрнатган олтин ҳайкалга сажда қилмаганингиз тўғрисида хабар топдим. [15] Аммо мен сизларга лутф айлаб яна бир имконият бераман. Ҳозир чолғу асбобларининг садоларини эшитишингиз биланоқ, мук тушиб мен ўрнатган ҳайкалга сажда қиласизлар. Акс ҳолда, ўша заҳотиёқ оловли чуқурликка ташланасизлар. Шунда сизларни менинг қўлимдан бирон та худо ҳам қутқара олмайди!

[16] Шадрах, Мешах ва Абеднаху шоҳга шундай жавоб беришди:

— Эй олампаноҳ, бу масалада биз ўзимизни оқламоқчи эмасмиз. [17] Биз сиғинадиган Худо бизни оловли чуқурликдан ҳам, сизнинг қўлингиздан ҳам қутқаришга қодир. [18] Аммо У бизни қутқармаган тақдирда ҳам, билиб қўйингки, эй шоҳ ҳазратлари, биз ҳеч қачон худоларингизга сиғинмаймиз, сиз ўрнатган олтин ҳайкалга ҳам сажда қилмаймиз.

Дониёрнинг уч оғайниси ўлимга маҳкум қилинади

[19] Шадрах, Мешах ва Абеднахунинг бундай жавоби Навухадназарнинг қонини қайнатди. Унинг афти–башараси буришиб кетди. У оловни одатдагидан етти баробар қаттиқроқ ёндиришни буюрди. [20] Сўнг лашкари орасидаги энг кучли полвонларга Шадрах, Мешах ва Абеднахуни боғлаб, оловли чуқурликка ташлашни амр қилди. [21] Полвонлар уларни боғлаб, устки кийими, иштони, бош кийими, хуллас, бутун уст–боши билан оловли чуқурликка ташладилар. [22] Ғазабланган шоҳ қаттиқ олов ёндиришни буюргани учун, аланга авжига чиққан эди. Оловнинг тафти уч оғайнини чуқурликка ташлаётган полвонларни куйдириб юборди. [23] Шадрах, Мешах ва Абеднаху эса боғланган ҳолда оловли чуқурликка йиқилдилар.

[24] Буни томоша қилиб турган шоҳ Навухадназар бирданига ўрнидан сапчиб турди–да, ҳайрат ичра маслаҳатчиларига:

— Чуқурликка биз учта боғланган одамни ташламаганмидик? — деб ҳайқириб юборди.

— Худди шундай, шоҳ ҳазратлари, — деб жавоб берди улар.

[25] — Воажабо! Аланганинг ўртасида боғланмаган тўртта одам юрибди–ку, — деди шоҳ. — Уларнинг бирортасига ҳам зарар етмаган. Тўртинчи кимса худди илоҳий зотга* ўхшайди–я!

Учала йигит озод қилиниб, юқори лавозимга кўтарилади

[26] Навухадназар чуқурликнинг оғзига бориб:

— Шадрах, Мешах ва Абеднаху, эй Худойи Таолонинг хизматкорлари, қани, чиқинглар! Олдимга келинглар! — деб бақирди.

Шадрах, Мешах ва Абеднаху аланга орасидан чиқишди. [27] Барча ноиблар, ҳокимлар, беклар ва шоҳ аъёнлари Шадрах, Мешах ва Абеднахуни ўраб олиб, олов ўша одамларга ҳеч қандай зиён етказмаганлигини кўришди. Уларнинг на сочлари

куйган, на устки кийимларига зарар етган, улардан ҳатто тутун ҳиди ҳам келмас эди.

28 Навухадназар деди: “Шадрах, Мешах ва Абеднахунинг Худосига ҳамду санолар бўлсин! У Ўз фариштасини юбориб, Ўзига инонган қулларини халос қилди. Улар ўз Худосидан бошқа бўлган худоларга сиғинишдан кўра, ўлимни раво кўрдилар, шу боис шоҳнинг амрига ҳам бўйсунмадилар.

29 Шунинг учун фармоним қуйидагичадир: Шадрах, Мешах ва Абеднахунинг Худосига шак келтирган ҳар бир одам қайси халқ, элат ёки уруққа мансуб бўлишидан қатъий назар, чопиб ташланади, унинг уйи эса вайрон қилинади. Зеро, бундай нажот берадиган бошқа худо йўқдир.”

30 Кейин шоҳ Шадрах, Мешах ва Абеднахунинг мартабасини янада ошириб, уларни Бобил вилоятидаги юқори лавозимларга кўтарди.

Навухадназарнинг мактуби

31 Шоҳ Навухадназар ер юзидаги барча халқлар, элатлар ва уруғларга қуйидаги хабарни юборди:

Хонадонингиздан барака аримасин! 32 Худойи Таоло менга кўрсатган аломату мўъжизалари ҳақида сизларни хабардор қилмоқчиман.

33 Нақадар буюкдир Унинг аломатлари!
Нақадар қудратли мўъжизалари!
Унинг шоҳлиги — мангу шоҳлик бўлар,
У абадий ҳукмронлик қилар.

4–БОБ

Навухадназарнинг дарахт ҳақидаги туши

1 Мен, Навухадназар, ўз уйимда хотиржам, шоҳона саройимда роҳат–фароғатда яшаётган эдим. 2 Аммо бир куни кечаси кўрган тушим юрагимга аллақандай ваҳима солди. Бу тушим мени даҳшатга туширган эди. 3 Мен тушимнинг таъбирини билишни истаб, Бобилдаги ҳамма сарой маслаҳатчиларини ҳузуримга келтиришни буюрдим. 4 Қаршимда ҳозир бўлган фолбин, мунажжим, афсунгар* ва раммоллар* тушимни эшитдилар–у, аммо уни таъбирлай олмадилар. 5 Ниҳоят, Дониёр келди (унинг Белташазар деган исми* мен сиғинадиган худонинг исми билан ҳамоҳангдир*). Дониёр муқаддас худоларнинг руҳи* билан тўладир. Мен унга тушимни айтиб бердим: 6 “Эй Белташазар, фолбинларнинг бошлиғи, сенда муқаддас худоларнинг руҳи* борлиги менга аён, ҳар қандай сир сенга ошкордир. Кўрган тушимнинг таъбирини менга айтиб бер.

7 Тушимда мен дунёнинг қоқ ўртасида ўсаётган бир дарахтни кўрдим. У ниҳоятда улкан эди. 8 Дарахт ўсиб, унинг учи осмонга етди. Дарахтни дунёнинг тўрт бурчагидан туриб кўрса бўлар эди. 9 Унинг япроқлари ниҳоятда чиройли, мўл мевалари бутун дунёни таъминлар эди. Ёввойи ҳайвонлар унинг тагида пана топар, осмондаги қушлар шохларида ин қурар, ер юзидаги барча мавжудот ундан озиқланар эди.

10 Мен тўшагимда ётиб, келган ваҳийни томоша қилаётганимда, осмондан кузатувчи бир фаришта тушиб келди. 11 У баланд овозда бақирди: «Дарахтни йиқитинглар, шохларини чопиб ташланглар, япроқларини узиб, меваларини сочиб юборинглар. Тагидаги ҳайвонларни

ҳайданглар, шохлардаги қушларни учиринглар. 12 Аммо дарахтнинг
тўнкаси ва илдизларига тегманглар, уларни темир ва бронза билан
занжирлаб, майин дашт ўтлари орасида қолдиринглар. Дарахт
тимсолидаги бу одам осмондан тушган шудрингга чўмилсин, ёввойи
ҳайвонлар билан яшаб, насибасини дашт ўтлари орасидан териб есин.
13 Ундан инсон онги олиб ташлансин. У етти йил* мобайнида онгсиз
ҳайвондай яшасин. 14 Кузатувчи фаришталар шу ҳукмни чиқаришди, токи
ҳар бир мавжудот Худойи Таолони инсон салтанатининг ягона Ҳукмдори
деб билсин. У шоҳликни хоҳлаган одамига берар, хокисор қашшоқни тахтга
ўтқазар.»

15 Мен, шоҳ Навухадназар, кўрган туш мана шудир. Энди сен,
Белташазар, менга тушимнинг таъбирини айтиб бер, чунки сарой
маслаҳатчилари уни таъбирлай олмадилар. Сен эса бунинг уддасидан
чиқасан, чунки сенда муқаддас худоларнинг руҳи* бор.”

Тушнинг таъбири

16 Сўнг Белташазар, яъни Дониёр бир қанча вақт ўзига келолмай турди.
Менинг тушим уни даҳшатга туширган эди. “Белташазар, тушим ва унинг
таъбири сени даҳшатга солмасин, — дедим унга мен*.”

“Ҳазратим, — деб гапини бошлади Белташазар. — Илойим, бу тушингиз
ва унинг таъбири душманларингиз бошига тушсин! 17 Сиз, учи осмон билан
ўпишган баланд бир дарахтни кўрдингиз. Бу дарахт шу қадар улкан эдики,
уни дунёнинг тўрт бурчагидан туриб кўрса бўлар эди. 18 Унинг япроқлари
ниҳоятда чиройли, мўл мевалари бутун дунёни таъмин қилар эди. Тагида
ёввойи ҳайвонлар яшар, осмондаги қушлар шоҳларида ин қурар эди. 19 Ўша
улкан дарахт — сизсиз, эй шоҳ ҳазратлари! Сиз ер юзида ҳокимиятингизни
ўрнатиб, шуҳратингизни осмону фалакларга ёйгансиз.

20 Тушингизда сиз, эй ҳазрати олийлари, осмондан тушиб келаётган
кузатувчи фаришгани ҳам кўрдингиз. Фаришта: «Дарахтни йиқитиб, йўқ
қилинглар», деб буйруқ берди. «Аммо тўнка ва илдизларига тегманглар,
уларни темир ва бронза билан занжирлаб, дашт ўтлари орасида
қолдиринглар. Етти йил давомида у осмондан тушган шудрингга чўмилиб,
ёввойи ҳайвонлар билан бирга яшасин.»

21 Туш таъбири шундайдир: Худойи Таолонинг амрига мувофиқ,
буларнинг барчаси келажакда бошингизга тушади. 22 Сиз инсонлар
жамиятидан ҳайдалиб, ёввойи ҳайвонлар орасида яшайсиз. Худойи Таоло
инсон салтанатининг ягона Ҳукмдори эканини ва У тахтни хоҳлаган
одамига беришини англаб етмагунингизча етти йил давомида молга ўхшаб
ўт еб, осмондан тушган шудрингга чўмиласиз. 23 Аммо дарахт тўнкаси ва
илдизлари қолдирилганлиги шундан далолат берадики, сиз Худони Олий
Ҳукмдор деб тан олганингиздан кейин, шоҳлигингиз қайта тикланади.
24 Ўтинаман сиздан, эй шоҳ ҳазратлари, маслаҳатимни рад этманг:
гуноҳларингиздан юз ўгириб, тўғриликни маҳкам тутинг, ёмон
қилмишларингиздан воз кечиб, эзилганларга илтифот қилинг. Ким
билсин, балки шунда давлатингиз равнақи давом этар.”

Навухадназарнинг туши ўнгидан келади

25 Буларнинг ҳаммаси менинг бошимга тушди*. 26 Ўн икки ойлардан
кейин, мен, Навухадназар, Бобилдаги саройимнинг томида сайр қилиб
юрган эдим*. 27 Шунда шаҳарга назар ташлаб: “Ўз қудратим билан
қурдирган шоҳона пойтахт Бобилни бир кўриб қўйинглар–а! — дедим, —

чексиз кучим ва дабдабали улуғворлигим бу шаҳарда акс эттирилган.”
28 Бу сўзлар оғзимдан чиқиб улгурмаган ҳам эдики, осмондан бир овоз
келди: “Эй шоҳ Навухадназар, гапимга қулоқ сол! Сен тахтингдан
туширилдинг! 29 Сен инсонлар жамиятидан ҳайдалиб, ёввойи ҳайвонлар
билан яшайсан. Худойи Таоло — инсон салтанатининг ягона Ҳукмдори
эканини ва У тахтни хоҳлаган одамига беришини уқмагунингча, етти йил
давомида молга ўхшаб ўт еб юрасан.”
30 Менга айтилган бу карамatли сўзлар ўша заҳотиёқ амалга ошди. Мен
инсонлар жамиятидан ҳайдалдим. Мол каби ўт еб, осмондан тушган
шудрингга чўмилдим. Сочларим бургут қанотларидай узун, тирноқларим
қушнинг чангалларидай бўлгунига қадар, ҳаётим шу зайлда давом этди.

Навухадназар Худони олқишлайди

31 Белгиланган муддат тугагач, мен кўзимни осмонга тикдим, ўша
заҳотиёқ эс–ҳушим ўзимга қайтиб келди. Мен Худойи Таолога шукроналар
айтдим, мангу яшовчини олқишлаб, улуғладим:

“Зеро, абадийдир Унинг ҳукмронлиги,
Авлодлар ошадир Унинг шоҳлиги.
32 Ердаги инсонлар Унинг наздида ҳеч нарсадайдир,
Инсонлару малакларга У ҳукмини ўтказгайдир.
Бирор кимса Унга бас кела олмас,
«Нима қиляпсан?» — деб сўрашга журъат этмас.”

33 Эс–ҳушим ўзимга қайтиб келганидан сўнг, шоҳлигим,
обрў–эътиборим ҳамда шуҳратим тикланди. Маслаҳатчи ва бекларим мени
қидириб келишди. Мен қайта тахтга ўтирдим, улуғворлигим эса
олдингидан ҳам ошди.
34 Энди мен, Навухадназар, Самовий Шоҳга ҳамду санолар айтаман, Уни
улуғлаб, шарафлайман. Унинг ҳамма ишлари тўғри, чиқарган ҳукмлари
адолатлидир, У димоғи шишганларнинг попугини пасайтиришга
қодирдир.

5–БОБ

Белшазарнинг зиёфати

1 Орадан йиллар ўтди. Бир куни шоҳ Белшазар* катта бир зиёфат уюштирди,
зиёфатга мингта бегини таклиф қилиб, улар билан майхўрлик қилаётган эди.
2 Ширакайф бўлиб қолган шоҳ: “Катта бобом* Навухадназар Қуддусдаги
Маъбаддан олиб келган олтин ва кумуш қадаҳлар* келтирилсин!” — деб буюрди.
Шоҳ беклари, хотинлари ва канизаклари* билан ўша қадаҳлардан шароб ичмоқчи
эди. 3 Қуддусдаги Маъбад, яъни Худонинг уйидан олиб келинган олтин қадаҳлар
базмхонага келтирилди. Шоҳнинг ўзи, унинг беклари, хотинлари ва канизаклари
қадаҳлардан шароб ичишди. 4 Улар ичиб, олтин, кумуш, бронза, темир, ёғоч ва
тошлардан қилинган худоларни олқишлар эдилар.
5 Тўсатдан одам қўлининг панжаси пайдо бўлиб, шоҳ саройининг
деворларидаги сувоқнинг устида ёза бошлади. Сарой чироқлари деворнинг ўша
қисмини яхши ёритиб тургани учун, шоҳ ёзаётган қўл панжасини кўриб қолди.
6 Шоҳ бундан даҳшатга тушиб, бўзариб кетди. Унинг қўллари бўшашиб, тиззалари
титрай бошлади. 7 Шоҳ бақириб, мунажжим, афсунгар* ва раммолларни*

келтиришни буюрди. Улар ҳозир бўлганларида, шоҳ шундай деди: “Ким бу ёзувни ўқиб, унинг маъносини менга тушунтириб берса, мен ўша одамнинг устига шоҳона сафсар тўн кийгизаман, бўйнига олтин занжир тақиб, чап қўл вазирим* қилиб тайинлайман.” 8 Шоҳнинг бу маслаҳатчилари ичкарига кирганларидан кейин ҳам ёзувни ўқий олмадилар, унинг маъносини ҳам тушунтириб бера олмадилар. 9 Бундан қаттиқ ваҳимага тушган шоҳ Белшазарнинг рангида ранг қолмади, беклари эса талмовсираб қолишди.

10 Ичкаридаги шовқин–суронни эшитиб, базмхонага кирган она малика*: “Шоҳ ҳазратларининг умри боқий бўлсин! — деди. — Шоҳим, шунчалик ҳам қўрқасизми, қаранг, ахир, рангингизда ранг қолмабди–ку! 11 Сизнинг шоҳлигингизда муқаддас худоларнинг руҳига* тўлган бир одам бор. Катта бобонгиз даврида бу одам идрокли, зеҳни ўткир ва худолар каби доно деб тан олинган эди. Катта бобонгиз — шоҳ Навухадназар уни фолбин, мунажжим, афсунгар ва раммолларнинг бошлиғи қилиб тайинлаган эдилар. 12 Дониёр исмли бу одам тушларни таъбирлашда, сирларни очишда ва жумбоқларни ечишда ғайритабиий қобилият, билим ва фаҳм–фаросатга эгадир. Катта бобонгиз уни Белташазар деб атаган эди*. Шоҳим, буюринг, Дониёрни бу ерга келтиришсин, у сизга бу ёзувнинг маъносини тушунтириб бергай.”

Дониёр ёзувни тушунтириб беради

13 Дониёр шоҳ ҳузурига келтирилди. Шоҳ Дониёрдан: “Катта бобом Яҳудодан асир қилиб олиб келган Дониёр сенмисан? — деб сўради. — 14 Сени худоларнинг руҳи* билан тўлган, идрокли, зеҳни ўткир ва доно деб эшитдим. 15 Мен маслаҳатчилар ва мунажжимларни ҳузуримга чақиртириб, уларга мана бу ёзувни ўқиб, маъносини тушунтириб беришни буюрган эдим. Аммо уларнинг биронтаси ҳам бунинг уддасидан чиқа олмади. 16 Сен эса жумбоқларни ечиб, уларни тушунтира олишингни эшитганман. Агар сен ҳозир бу ёзувни ўқиб, унинг маъносини менга тушунтириб берсанг, мен сенинг устингга шоҳона сафсар тўн кийгизаман, бўйнингга олтин занжир тақиб, чап қўл вазирим қилиб тайинлайман.”

17 Дониёр шоҳ ҳузурида шундай жавоб берди: “Эй олампаноҳ, раҳмат, совғаларингиз ўзингизда қолаверсин ёки уларни бошқа бировга бера қолинг. Мен бу ёзувни шундоқ ҳам ўқиб, унинг маъносини тушунтириб бераман.

18 Эй шоҳ ҳазратлари, Худойи Таоло катта бобонгиз Навухадназарни буюк бир салтанатнинг тахтига ўтқазиб, шуҳратини рўйи заминга ёйгандир. 19 Худо унга берган улуғворлиги туфайли ҳамма одамлар — қайси халқ, элат ва уруғдан бўлишларидан қатъий назар, катта бобонгиздан қўрқиб қалтирар эдилар. У хоҳлаган одамни ўлдирар, хоҳлаганини тирик қолдирар, юксалтирмоқчи бўлганини юксалтирар, хор қилмоқчи бўлганини оёқ ости қилар эди. 20 Аммо мағрурланиб, ўжарлиги ила иш тута бошлаганда шоҳона тахтидан туширилиб, улуғворлигидан маҳрум қилинган эди. 21 У инсонлар жамиятидан ҳайдалиб, онгсиз ҳайвондай бўлиб қолганди. Ёввойи эшаклар билан яшаб, мол сингари, ўт билан озиқланган ва осмондан тушган шудрингга чўмилганди. Охири Худойи Таоло инсон салтанатининг ягона Ҳукмдори эканини ва У тахтни хоҳлаган одамига беришини катта бобонгиз тан олган эди.

22 Аммо сиз, эй шоҳ Белшазар, катта бобонгизнинг бошидан ўтган бу воқеалардан хабардор бўла туриб* Худога бўйсунмадингиз! 23 Сиз ҳаддингиздан ошиб, Самовий Худога қарши бош кўтардингиз! Худо Маъбадининг қадаҳларини ҳузурингизга келтириб, бекларингиз, хотинларингиз ва канизакларингиз билан майхўрлик қилдингиз. Ҳеч нарса кўрмайдиган, ҳеч нарса эшитмайдиган, ҳеч

нарса билмайдиган олтин, кумуш, бронза, темир, ёғоч ва тошдан ясалган худоларни мадҳ айладингиз. Аммо сизга ҳаёт берувчи ва охиратингизни белгиловчи Худони улуғламадингиз. 24 Шунинг учун Худо қўл панжасини юбориб қуйидаги сўзларни ёздирди:

25 МЕНЕ, МЕНЕ, ТЕКЕЛ ва ПАРСИН*.

26 Бунинг маъноси қуйидагича:

МЕНЕ, яъни «ҳисоб» — Худо ҳукмронлик вақтингизни ҳисоблаб чиқиб, шоҳлигингизга якун ясади.
27 ТЕКЕЛ, яъни «тортилган» — сиз тарозида тортилиб, ҳукмронлик қилишга номуносиб бўлиб чиқдингиз.
28 ПЕРЕС, яъни «бўлинган» — шоҳлигингиз бўлиниб, Мидияликлар ва Форсларга берилди*.”

29 Сўнг Белшазар берган амрга биноан, Дониёрга шоҳона сафсар тўн кийдирилиб, бўйнига олтин занжир тақилди ва у шоҳнинг чап қўл вазири деб эълон қилинди.
30 Худди ўша куни кечаси Бобил* шоҳи Белшазар ўлдирилди*. 31 Тахтга эса олтмиш икки ёшли Мидиялик Доро* ўтирди.

6–БОБ

Дониёр шерлар уясида

1 Шоҳ Доро* бутун шоҳлигидаги ерларни 120 та вилоятга бўлиб, ҳар бир вилоят устидан ноиб тайинлашга қарор қилди. 2 Ноибларни назорат қилиш учун эса учта амирни тайинлади, уларнинг бири Дониёр эди. Шоҳни уринтирмаслик учун улар ноиблардан барча ҳисоботни олишлари керак эди. 3 Дониёр бошқа амиру ноибларга қараганда ўз ишини юксак маҳорат билан бажарар эди. Шунинг учун шоҳ бутун салтанат бошқарувини Дониёрга топширишни режалаштириб қўйганди. 4 Буни кўра олмаган амиру ноиблар қилдан қийиқ ахтариб, Дониёрнинг бошқарув ишларидаги нуқсонларни топишга ҳаракат қилишди. Аммо Дониёр ўз ишини пухта бажариб, ҳеч қандай масъулиятсизлик ва ноҳақликка йўл қўймасди. Шунинг учун уни айблашга бирон–бир баҳона ҳам топа олмадилар. 5 Ниҳоят улар бир–бирларига шундай дедилар: “Дониёрни фақатгина ўз Худосининг қонуни билан боғлиқ бўлган ҳолда айблашимиз мумкин, бундан бошқа чорамиз йўққа ўхшайди.”
6 Шунда амиру ноиблар шоҳнинг ҳузурига бориб: “Шоҳ Доро ҳазратларининг умри боқий бўлсин! — дедилар. 7 — Шоҳликнинг барча амирлари, беклари, ноиблари, аъёнлари ва ҳокимлари шундай деб ўзаро келишиб олдилар: шоҳимиз фармон жорий қилсинлар. Эй шоҳ ҳазратлари, бу фармон бўйича ҳамма одам ўттиз кун мобайнида фақатгина сизга сажда қилсин. Кимки бошқа бир худо ёки одамга сажда қилса, шерлар уясига ташлансин. Бу фармон қатъий равишда амалга оширилсин. 8 Эй шоҳ ҳазратлари, фармон чиқариб уни имзоланг. Бу фармонингиз Мидия ва Форс қонунларига биноан ўзгармас бўлсин.” 9 Шоҳ Доро фармонни имзолади. 10 Дониёр фармон имзоланганлигини била туриб уйига борди. Болохонасига чиқиб, ҳар доим қилганидай, кунига уч маҳал тиз чўкиб Худога илтижо қилди, Уни мадҳ этиб улуғлади. Болохонанинг деразалари эса Қуддус томон очилган эди.

11 Амалдорлар бир тўда бўлиб Дониёрнинг уйига борганларида, Дониёр ўз
Худосига илтижо қилаётганини кўриб қолдилар. 12 Улар зудлик билан бу ҳақда
шоҳни хабардор қилиш учун шоҳ ҳузурига бордилар.
— Эй шоҳ ҳазратлари! — дея мурожаат қилди улар. — Сиз фармон чиқариб,
кимки ўттиз кун ичида мендан бошқа бирон та худо ёки одамга сажда қилса,
шерларнинг уясига ташланади, деб айтмаганмидингиз?
— Ҳа, чиқарган бу фармоним Мидия ва Форс шоҳлигининг қонунларига
биноан, қатъийдир, — дея жавоб берди шоҳ.
13 — Эй шоҳ ҳазратлари, Яҳудо асирларидан бўлмиш Дониёр сизни ҳам, сиз
чиқарган фармонингизни ҳам менсимай, кунига уч марта ўз Худосига илтижо
қиляпти, — деди улар.
14 Шоҳ буни эшитгач, қаттиқ ташвишга тушди. У Дониёрни сақлаб қолиш
ниятида кун ботгунга қадар, қўлидан келганича ҳаракат қилди. 15 Аммо
амалдорлар шоҳнинг олдига келиб:
— Шоҳ ҳазратлари, Мидия ва Форс қонунларига биноан, сиз чиқарган ҳар бир
фармон ўзгармас эканлигини эсингизда тутинг, — дедилар.
16 Шоҳ Дониёрни шерларнинг уясига ташлашни буюрди.
Дониёрнинг ўзига эса: “Сени Худойинг қўлига топширдим, сен доим сажда
қиладиган ўша Худо сени асрасин”, — деди.
17 Тош келтирилиб, чуқурликнинг оғзи беркитиб қўйилди. Ҳеч ким Дониёрни
шерлардан қутқара олмасин деб, шоҳ ўзининг ва амалдорларининг тамғалари
билан тошни муҳрлаб қўйди. 18 Сўнг саройига қайтиб, кечаси билан туз тотмади.
Одатдаги кечки вақти чоғлик ҳам кўнглига сиғмай, туни билан ухламай чиқди.
19 Эртаси куни тонг отгач, шоҳ шоша–пиша шерлар уяси томон югурди. 20 У
ерга боргач:
— Ҳой Дониёр, барҳаёт Худонинг хизматкори! — дея куйиниб хитоб қилди у.
— Сен доимо сажда қилиб юрган Худойинг сени шерлардан қутқара олдими?
21 — Шоҳ ҳазратларининг умри боқий бўлсин! — деди шоҳга Дониёр. 22 —
Худойимнинг назарида бегуноҳ бўлганим учун У фариштасини юбориб,
шерларнинг оғизларини беркитиб қўйди ва шерлар менга ҳеч қандай зарар
етказмадилар. Сизнинг олдингизда ҳам, эй шоҳ ҳазратлари, мен бирон–бир айбли
иш қилган эмасман.
23 Хурсандчилиги ичига сиғмаган шоҳ Дониёрни чуқурликдан чиқаришни
буюрди. Дониёрни чуқурликдан чиқарган одамлар унга ҳеч қандай зарар
етмаганини кўришди, чунки Дониёр Худога инонган эди. 24 Шоҳнинг буйруғига
биноан, Дониёрни қоралаган одамларни хотину бола–чақалари билан бирга
шерлар уясига ташладилар. Улар чуқурликнинг тубига етмаган ҳам эдики,
шерлар уларга ташланиб ғажиб ташлашди.
25 Шоҳ Доро бутун дунё бўйлаб барча халқлар, элатлар ва уруғларга шундай
мактуб йўллади:

“Хонадонингиздан барака аримасин! 26 Шоҳлигимдаги барча одамлар
Дониёрнинг Худосидан қўрқиб титрасин, чунки

У барҳаёт ва мангу Худодир.
Унинг шоҳлиги асло қуламас,
Ҳукмронлиги ҳеч ҳам тугамас,
27 Нажоткору халоскор Удир.
Ер у кўкда аломату мўъжизалар кўрсатган,
Удир Дониёрни шерлардан қутқариб олган.”

28 Шоҳ Доро ва Форс шоҳи Курушнинг ҳукмронлиги даврларида* Дониёрнинг мартабаси яна ҳам ошди.

Дониёр кўрган ваҳийлар

(7:1-12:13)

7–БОБ

Дониёрнинг тўрт махлуқ ҳақидаги ваҳийси

1 Бобил шоҳи Белшазар ҳукмронлигининг биринчи йилида* Дониёр бир туш кўрди. У кўрган туши ҳақида шундай ёзди:

2 “Мен тушимда бир ваҳий кўрдим. Осмоннинг тўрт томонидан эсаётган қаттиқ шамол улкан бир денгизни тўлқинлантираётган эди. 3 Ўша денгиздан бир–бирига ўхшамайдиган тўртта баҳайбат махлуқ* чиқди. 4 Биринчиси шерга ўхшаган эди, унинг бургут қанотларига ўхшаган қанотлари бор эди. Мен махлуқни томоша қилиб турган эдим, бирданига қандайдир бир куч унинг қанотларини узиб ташлади, ўзини эса кўтариб одамзодга ўхшатиб икки оёғида турғизиб қўйди. Ўша махлуққа инсон онги берилган эди*.

5 Иккинчи махлуқ айиққа ўхшар эди. У оғзига учта қовурға суякларини тишлаб олган эди. У ҳамла қилишга шайлана бошлаганда, унга шундай буйруқ берилди: «Қани, ол, тўйгунингча гўшт егин!»

6 Сўнг қоплонга ўхшагани пайдо бўлди. Бу махлуқнинг тўртта боши ва орқасида қуш қанотига ўхшаган тўртта қаноти бор эди. Унга ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи берилган эди.

7 Бундан кейин тундаги ваҳийда мен қўрқинчли, даҳшатли ва бениҳоя кучли бўлган тўртинчи махлуқни кўрдим. У ўз қурбонларини темир тишлари билан ғажиб, парчалаб ташларди. Қолдиқларини эса оёқлари билан босиб эзарди. Унинг ўнта шохи бўлгани учун, у олдинги махлуқлардан ажралиб турар эди. 8 Мен махлуқнинг шохларини томоша қилиб турганимда, уларнинг орасидан ўсиб чиқаётган яна бир шохчани* кўрдим. Унга жой бериш учун олдинги ўнта шохдан учтаси таг–туги билан узилиб тушди. Бу янги ўсиб чиққан шохнинг инсон кўзларига ўхшаган кўзлари ва такаббурона гапирадиган оғзи бор эди.

Дониёрнинг Азалий Нуроний ҳақидаги ваҳийси

9 Мен тахтларнинг жой–жойига ўрнатилганини томоша қилиб турдим, Азалий Нуроний* Ўз жойига ўтирди. Унинг кийими қордай оқ, сочлари эса оппоқ момиқдай эди. Унинг тахти оташин аланга, тахтининг ғилдираклари ловуллаган олов эди. 10 Унинг ҳузуридан оловли дарё оқиб чиқди. Минглар Унга хизмат қилар эди, миллион–миллионлар Унинг амрига мунтазир эди. Суд мажлиси бошланди, ҳамма китоблар* очилди.

11 Кичкина шохнинг кибрланиб шанғиллаши менинг эътиборимни тортган эди. Мен уни томоша қилаётганимда ўша тўртинчи махлуқ ўлдирилди, унинг жасади оловга ташланиб, куйдириб юборилди. 12 Қолган махлуқларга келсак, уларнинг ҳукмронлиги йўқ қилинди, аммо ҳаётлари маълум бир вақтгача* сақлаб қолинди.

13 Тунда келган ўша ваҳийда мен осмон булутларида келаётган инсон қиёфасидаги бир зотни* кўрдим. У Азалий Нуронийнинг олдига келди. 14 Унга

ҳукмронлик, улуғворлик ва шоҳлик берилди. Барча халқлар, элатлар ва уруғлар унга бўйсунишди. Унинг ҳукмронлиги битмас–туганмас, абадий ҳукмронликдир. Унинг шоҳлиги ҳеч қачон бузилмайди.

Дониёр кўрган ваҳийнинг маъноси

15 Мен кўрган бу ваҳий юрагимга ғулғула солиб, алланечук ваҳимага туширган
эди. 16 Мен тахт ёнида турганларнинг биттасига яқинлашиб, буларнинг
ҳаммасини тушунтириб беришини сўрадим. У менга ваҳийнинг маъносини очиб,
деди: 17 «Сен кўрган тўртта махлуқ бу ер юзида ҳукмронлик қиладиган тўртта
шоҳликдир. 18 Аммо Худойи Таолонинг азизлари шоҳликни қабул қилиб, унга то
абад эга бўладилар.»
19 Мен тўртинчи махлуқ* ҳақида кўпроқ маълумот олишни хоҳлар эдим, чунки
у бошқа махлуқлардан ажралиб турар эди. Темир тишлари ва бронза чангаллари
бўлган бу бадбашара махлуқ қурбонларини ғажиб тилка–пора қилар,
қолдиқларини босиб эзарди. 20 Унинг бошидаги ўнта шохи, айниқса, янги ўсиб
чиққан шох мени жуда қизиқтириб қолган эди. Ўша шох ўсиб чиқаётганда
ўрнидаги учта шохни тушириб юборган эди. Кўзлари ва кибрланиб гапирадиган
оғзи бўлган бу шох бошқа шохларга қараганда кўпроқ аҳамиятга эгадай бўлиб
кўринар эди.
21 Бундан ташқари, ваҳийда мен ўша шохнинг Худонинг азиз халқи билан жанг
қилаётганини ва уларни енгаётганини кўрган эдим. 22 Шу орада Азалий Нуроний
келиб, Ўзининг азизлари фойдасига ҳукм чиқарди. Худойи Таолонинг азиз
одамлари учун шоҳликни ўз тасарруфига олиш вақти етиб келган эди.
23 Суҳбатдошим менга шундай деди: «Тўртинчи махлуқ бу ер юзида
ҳукмронлик қиладиган тўртинчи шоҳликнинг тимсолидир. Бу шоҳлик бошқа
шоҳликлардан ажралиб туради. У бутун дунёни ғажиб, эзиб парча–парча қилади.
24 Махлуқнинг ўнта шохи — шоҳликни бошқарадиган ўнта ҳукмдордир.
Кейинчалик тахтга янги бир ҳукмдор ўтиради. Бу ҳукмдор олдинги ўнта
ҳукмдордан ажралиб туради ва учта ҳукмдорни тахтдан туширади. 25 У куфр
кетиб, Худойи Таолонинг азизларини аёвсиз эзади. Муқаддас байрамлар ва
қонунларни ўзгартиришга уринади. Худонинг азиз одамлари уч ярим йил*
давомида ўша ҳукмдорнинг зулми остида бўладилар. 26 Бу муддат тугагач, самода
суд мажлиси бошланади. Золим ҳукмдор тахтдан туширилиб, бутунлай йўқ
қилинади. 27 Худойи Таолонинг азизларига эса шоҳлик, ҳукмронлик ва ер
юзидаги барча салтанатларнинг улуғворлиги берилади. Ҳамма ҳукмдорлар
уларга бўйсуниб, хизмат қиладилар, уларнинг шоҳлиги абадий шоҳлик бўлади.»
28 Кўрган, эшитганларим мана шудир. Бу тушимдан шу қадар ваҳимага тушган
эдимки, рангимда ранг қолмаган эди. Аммо булар тўғрисида оғиз очмай,
ҳаммасини ичимга ютдим.”

8–БОБ

Дониёрнинг қўчқор ва эчки ҳақидаги ваҳийси

1 Дониёр шундай деб ёзди:

“Шоҳ Белшазар ҳукмронлигининг учинчи йилида* менга яна бир ваҳий келди.
2 Бу ваҳийда мен Элам вилоятидаги Шушан қалъасида*, Улой дарёсининг бўйида
турган эканман. 3 Мен дарё бўйида бир қўчқор турганини кўрдим. Унинг иккита
узун–узун шохлари бор экан*. Иккинчи бўлиб чиққан шох биринчисига қараганда
узунроқ экан*. 4 Қўчқор ўзини ғарб, шимол ва жанубга уриб, йўлида дуч келган

ҳамма нарсани сузар эди. Ҳеч қандай ҳайвон унга бас кела олмас, унинг қурбонларини қутқара олмас эди. Қўчқор хоҳлаган ишини қилар, кучи тобора ошиб борар эди.

5 Буни томоша қилиб турганимда, ғарб томондан бир така кўринди. Елдай
учиб келаётган бу таканинг туёқлари гўё ерга тегмаётгандай туюлар эди. Унинг
икки кўзи орасида улкан бир шох бор эди*. 6 У қутурганича қўчқор томон
югурди–да, 7 қаҳр–ғазаб билан унга ташланиб, сузди. Таканинг зарбаси
зўрлигидан, қўчқорнинг иккала шохи синиб тушди. Қўчқор такага бас кела
олмади. Така уни ерга йиқитиб топтади, ҳеч ким қўчқорни ундан қутқара олмас
эди.

8 Така ниҳоятда кучайиб кетди, аммо куч–қудрат чўққисида унинг улкан шохи
синиб тушди. Синиб тушган шохнинг ўрнига дунёнинг тўрт томонига қайрилган
тўртта катта шох ўсиб чиқди*.

9 Уларнинг биридан яна битта шохча чиқди. Унинг куч–қудрати ошиб, жануб,
шарқ ва гўзал Исроил ўлкаси* томон ёйилди. 10 Қудрати осмону фалакка етган бу
шох самовий лашкарларга ҳужум қилди. Самовий лашкарлар бўлмиш
юлдузларнинг айримларини ерга тушириб топтади. 11 Ҳатто самовий лашкарнинг
Саркардаси — Худони менсимай, Унга келтириладиган кундалик
қурбонликларни тўхтатди. Маъбадни эса вайрон қилиб, 12 самовий лашкарларни
мағлуб қилди. Кундалик қурбонликлар ўрнига ҳаддан ташқари жирканч бир
нарсани ўрнатди. Ҳақиқатни оёқ ости қилган бу шох ҳар бир ишида муваффақият
қозонар эди*.

13 Кейин мен фаришталар ўзаро гаплашаётганини эшитиб қолдим. Уларнинг
бири бошқасидан шундай деб сўраганини эшитдим:

— Ваҳийдаги бу ҳодисалар қачонгача давом этар экан–а? Қачонгача бу
жирканч нарса кундалик қурбонликлар ўрнини эгаллайди? Қачонгача Маъбад ва
самовий лашкарлар оёқ ости бўлади?

14 Шериги унга шундай жавоб берди:

— Бундай аҳвол 2300 кечаю кундуз* давом этади. Ўша вақт мобайнида
қурбонликлар келтирилмайди. Шундан сўнг Маъбад покланиб, асл ҳолига
қайтарилади.

Фаришта Жаброил ваҳийларни тушунтириб беради

15 Мен кўрган ваҳийнинг мағзини чақмоқчи бўлиб, бошимни қотириб
турганимда, бирданига олдимда одам қиёфасидаги аллаким пайдо бўлди. 16 Шу
пайтда мен Улой дарёси томонидан:

— Эй Жаброил, бу одамга ваҳийнинг маъносини тушунтириб бер, — деб хитоб
қилаётган инсон овозини эшитдим. 17 Жаброил менга яқинлашганда, мен
қўрққанимдан юз тубан ерга йиқилдим. Аммо у менга:

— Тушунгин, эй инсон*, бу охирзамон ваҳийси, — деди.

18 У гапираётганда мен ҳушимдан кетиб, юз тубан ерда чўзилиб ётган эдим.
Аммо у қўлини теккизиб, мени турғизиб қўйди–да, 19 шундай деди:

— Эшит, мен сенга охирзамон пайтида содир бўладиган нарсаларни аён
қиламан, ўша даврда Худо Ўз ғазабини ер юзига сочишни белгилагандир. 20 Сен
кўрган икки шохли қўчқор — бу Мидия ва Форс шоҳликларидир. 21 Така эса Юнон
шоҳлигидир. Иккала кўзининг орасидаги улкан шох — бу Юнон шоҳлигининг
тахтида ўтирадиган биринчи ҳукмдордир. 22 Синиб тушган шохнинг ўрнига
чиққан тўртта шох — Юнон шоҳлиги тўрт қисмга бўлинишини билдиради. Тахтга
ўтирган тўртала ҳукмдор олдинги ҳукмдорга қараганда заифроқ бўлади.
23 Уларнинг ҳукмронлик пайтлари охирлаб, гуноҳлари тўлиб–тошганда,

макр–ҳийлага уста, важоҳати хунук бир ҳукмдор тахтга ўтиради. 24 У ниҳоятда
кучайиб кетади, бироқ ўзининг кучи билан эмас. У ҳамма ёқни вайрон қилиб,
барча ишларида муваффақият қозонади. Забардаст йўлбошчилару Худонинг
азизларини қириб ташлайди. 25 Усталик билан ишлатган маккорлиги туфайли
кўп ютуқларга эришади. Кўзини ёғ босган бу ҳукмдор огоҳлантирмасдан кўп
одамларни ҳалок қилади. У ҳатто энг буюк Ҳукмдорга қарши бош кўтаради.
Оқибатда эса йўқ қилиб ташланади, аммо бу инсоннинг кучи билан қилинмайди.
26 Дониёр, мен ҳозир сенга тушунтириб берган эрталабки ва кечқурунги
қурбонликларга оид бўлган бу ваҳий албатта амалга ошади. Сен ваҳийни сир
тутгин, чунки бу узоқ келажакка оид нарсадир.

27 Бу воқеадан сўнг тобим қочиб, бир неча кун бетоб бўлиб ётдим. Кейин
туриб, шоҳнинг хизматига қайтдим. Аммо ваҳий мени тамомила эсанкиратиб
қўйган эди. Мен унинг маъносини тушунмаган эдим.

9–БОБ

Дониёр халқ учун ибодат қилади

1 Бобил* тахтига ўтирган Мидиялик Ахашвераш* ўғли Доро* ҳукмронлигининг
илк даври. 2 Мен Доро ҳукмронлигининг дастлабки йилида пайғамбарлар ёзиб
қолдирган битикларни мутолаа қилишга киришган эдим. Эгамиз Еремиё
пайғамбарга айтган сўзларига кўра*, Қуддус етмиш йил давомида хароб бўлиб
ётишини билиб олдим.

3 Шунда мен Раббий Худога ёлвордим, рўза тутиб, қанорга ўрандим, кулга
беланиб*, илтижо қилдим. 4 Мен Эгам Худога ибодат қилиб, халқимнинг
гуноҳлари учун шундай деб тавба қилдим:

Ё Раббий, Сен буюк ва ҳайбатли Худосан! Сени севиб, амрларингга риоя
қилган бандаларингга Сен аҳдингни содиқ сақлайсан. 5 Аммо биз ноҳақлик
қилиб, гуноҳга қўл урдик. Қабиҳ ишлар қилиб, Сенга қарши бош кўтардик,
амрлару қонун–қоидаларингни унутиб, 6 шоҳларимизга,
раҳнамоларимизга, ота–боболаримизга ва авом халққа Сенинг номингдан
гапирган хизматкорларинг — пайғамбарларга биз қулоқ солмадик.

7 Сен ҳақсан, ё Раббий. Биз эса бугун шарманда бўлдик. Биз Сенга хиёнат
қилганимиз учун, Сен ҳаммамизни — Яҳудо ва Қуддус аҳолисини ҳамда
бутун Исроил халқини яқин ва узоқ юртларга тарқатиб юборгансан. 8 Эй
Эгам, биз Сенга қарши гуноҳ қилганимиз учун шоҳларимиз,
раҳнамоларимиз, ота–боболаримиз — биз ҳаммамиз шарманда бўлдик. 9 Ё
Раббимиз Худо, биз Сенга қарши бош кўтарган бўлсак ҳам, Сен
гуноҳларимизни кечирувчи, раҳмдил Худосан. 10 Эй Эгамиз Худо, биз Сенга
итоат этмадик! Сен хизматкорларинг бўлмиш пайғамбарлар орқали бизга
қонунлар бердинг, аммо биз уларга риоя қилмадик.

11 Бутун Исроил халқи қонунингни бузиб, ҳақ йўлдан озди, Сенга қулоқ
солишни хоҳламади. Биз Сенга қарши гуноҳ қилганимиз учун қулинг
Мусонинг қонунида ёзилган қасамёду лаънатлар бошимизга тушди. 12 Ҳа,
Сен бизни ва раҳнамоларимизни огоҳлантирган эдинг! Сўнг
айтганларингни қилиб, бошимизга шундай фалокатлар ёғдирдингки,
Қуддусда юз берган бундай даҳшатли фожиани ёруғ дунё ҳали кўрмаган
эди. 13 Мусонинг қонунида ёзилган ҳар бир фалокат бошимизга тушди.
Аммо биз шунда ҳам гуноҳларимиздан қайтмадик, Эгамиз Худонинг

марҳаматини изламадик, Унинг содиқлигини эсга олмадик. 14 Вақти келиб
Эгам бизни бу фалокатларга гирифтор қилди, чунки биз Унинг гапларига
итоат қилмадик. Дарҳақиқат, Эгамиз Худо доим адолат ила иш тутар.
15 Эй Раббимиз Худо, Сен Ўз халқингни қудратинг ила Мисрдан олиб
чиқиб, шуҳратингни оламга ёйдинг. Сенинг қудратинг бугунга қадар тилга
олинар. Биз эса гуноҳ қилдик, қабиҳликка қўл урдик. 16 Ё Раббий, Сен
ўтмишда бизга кўп илтифот қилдинг. Ҳозир ҳам ғазабу қаҳрингни
Қуддусдан йироқ қилгин, деб ёлвораман. Қуддус Сенинг шаҳринг, Сенинг
муқаддас тоғинг–ку*, ахир! Бизнинг ва ота–боболаримизнинг гуноҳлари
туфайли Қуддус ва танланган халқинг қўшни халқлар орасида хор–зор
бўлмоқда. 17 Шунинг учун, эй Худойимиз, мен, қулингнинг ибодату
илтижоларига қулоқ тутгин. Ё Раббий, хароб бўлган Маъбадингга Ўз
ҳақи–ҳурматинг учун мунаввар юзинг билан боққин. 18 Эй Худойим, қулоқ
солиб, нолаларимизни эшитгин! Кўзингни очиб, биз тортган жабрни кўриб
қўйгин! Шаҳарнинг аҳволига бир қара, ахир, у Сенинг номинг билан
аталган–ку! Биз Сенинг марҳаматингга лойиқ бўлмасак–да, Ўзингнинг
чексиз раҳмдиллигинг туфайли бизга шафқат қил. 19 Ё Раббий,
нолаларимни эшитгин! Ё Раббий, бизни кечиргин! Ё Раббий,
илтижоларимни эшитиб ёрдам бергин! Ҳурматинг ҳақи шошилгин, чунки
бу шаҳринг ва халқинг Сенинг номинг билан аталгандир, эй Худойим!

Жаброил башоратни тушунтириб беради

20 Мен тоат–ибодатда бўлиб, ўзимнинг гуноҳларим ва халқим Исроилнинг
гуноҳлари учун тавба қилиб, Худонинг муқаддас тоғи — Қуддус* учун Эгам
Худога илтижо қилаётган эдим. 21 Кечки қурбонлик пайтида мен ҳали ибодат
қилаётганимда, олдимга Жаброил учиб тушди. Мен уни олдинги ваҳийда ҳам
кўрган эдим*. 22 У менга тушунтирди: «Дониёр, мен олдингга ваҳийни
тушунтирмоқ учун келдим. 23 Сен Худога илтижо қила бошлаганингда, У сенга
жавоб берган эди. Мен жавобини сенга етказмоқ учун келдим, чунки сен
Худонинг суюкли бандасисан. Қани, энди айтадиган гапларимни яхшилаб эшит,
ваҳийнинг маъносини тушуниб олгин: 24 исённи бартараф этиш, қабиҳликка чек
қўйиш, гуноҳдан поклаш ҳамда абадий адолат ўрнатиш учун Худо сенинг халқинг
ва муқаддас шаҳринг учун етмиш карра етти йил* белгилади. Шунда ваҳий ва
кароматлар амалга ошади, муқаддас Маъбад* эса табаррук қилинади. 25 Шуни
билиб қўйгинки, Қуддусни тиклаш учун амр берилганидан то Худо мой суртиб
танлаган йўлбошчи* келгунига қадар, етти карра етти йил* ўтади. Олтмиш икки
карра етти йил* мобайнида Қуддус шаҳри, унинг йўллари ва мудофаа
иншоотлари тикланади, аммо булар машаққатли дамларда содир бўлади.
26 Олтмиш икки карра етти йил ўтгач, Худо танлаган йўлбошчи ўлдирилади. У
эришган ҳамма нарса барбод бўлади*. Қўшин тортиб келган ажнабий бир
ҳукмдор шаҳарга кучли селдай ёпирилиб, шаҳарни ҳамда Маъбадни вайрон
қилади. Худонинг қарорига мувофиқ, урушу вайронагарчиликлар ўша даврнинг
охиригача давом этади. 27 Ўша ҳукмдор кўп халқлар билан бир карра етти йилга*
кучли бир битим тузади. Ўша вақтнинг ярми ўтгач, қурбонлик ва назрларга чек
қўйиб, Маъбадда* макруҳ бир нарса ўрнатади. Бу нарса кўп ҳаром–хариш ишларга
сабаб бўлади*. Бу аҳвол Худо белгилаган кунгача давом этади. Ўша куни шаҳар
билан Маъбадни вайрон қилган ҳукмдорнинг куни битади.»”

10–БОБ

Дониёрнинг фаришта ҳақидаги ваҳийси

1 Форс шоҳи Куруш ҳукмронлигининг учинчи йилида*, Белташазар деб
аталган Дониёрга* Худодан бир хабар келган эди. Келажакда албатта содир
бўладиган кучли тўқнашувга оид бўлган бу* хабарнинг маъноси Дониёрга ваҳий
орқали аён бўлди. 2 Дониёр шундай деб ёзди:

“Ўша пайтда мен уч ҳафта азадордай юрдим. 3 Уч ҳафта давомида ҳеч қандай
тансиқ таом емадим, гўшт билан шаробни оғзимга олмадим,
ювиниб–таранмадим. 4 Биринчи ойнинг* йигирма тўртинчи кунида буюк Дажла
дарёсининг бўйида турганимда, 5 мен бировни кўрдим. Унинг эгнида зиғир
толасидан тўқилган либос, белида соф тилладан ясалган камар* бор эди. 6 Унинг
танаси қимматбаҳо тошдай ярқираб турар эди. Юзи яшиндай порлаб, кўзлари
машъаладай ёниб турар эди. Оёқ–қўллари ялтироқ мисдай товланиб, овози бутун
бир оломон овозидай янграр эди.
7 Ваҳийни фақат мен кўрдим. Ёнимдагилар ваҳийни кўрмаган бўлсалар ҳам,
ваҳимага тушдилар. Улар тумтарақай бўлиб ҳар ёққа яшириниб олдилар. 8 Мен
бир ўзим қолдим. Ўша ажойиб ваҳийни кўраётганимда қувватсизланиб,
афт–ангорим таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетганини сездим. Мадорим
қолмаган эди. 9 Мен фариштанинг овозини эшитганимда ҳушимдан кетиб, юз
тубан ерда чўзилиб қолдим. 10 Сўнг эса кимнингдир бир қўли менга тегиб, мени
кафт ва тиззаларимга турғизиб қўйди.
11 Ўша фаришта менга:
— Эй Дониёр, сен Худонинг суюкли бандасисан, — деди. — Қани, тур! Сенга
айтадиган гапларимга қулоқ сол, чунки мен сенинг олдингга юборилганман.
У шу гапларини менга айтаётганда, мен қалтираб ўрнимдан турдим.
12 — Дониёр, қўрқма! — деди у менга. — Сен ҳаёт лаззатларидан воз кечиб,
хабар хусусида мулоҳаза юритишни бошлаган кунингдаёқ, илтижоларинг ижобат
бўлган эди. Илтижоларингга биноан, мен олдингга келдим. 13 Аммо Форс
шоҳлигини ҳимоя қилувчи фаришта йигирма бир кун давомида менга қаршилик
кўрсатди. Мен у билан жанг қилиб ҳаяллаб қолганим учун*, бош фаришталардан
бири бўлган Микойил менга ёрдамга келди. 14 Мен сенга келажакда халқинг
бошига тушадиган нарсаларни тушунтириш учун келдим. Бу ваҳий ўша кунларга
оиддир.
15 У шу сўзларни гапираётганда, мен лом–мим дея олмай, бошимни эгиб турар
эдим. 16 Сўнг одам қиёфасидаги бошқа бирови* лабларимга қўл теккизди. Мен
оғзимни жуфтлаб, олдимда турганга дедим:
— Ҳазратим, бу ваҳий юрак–бағримни эзиб юборди, мадорим қуриди.
17 Мендай бир қул қандай қилиб ҳазратим билан гаплаша олади? Ҳолдан
тойганман, базўр нафас оляпман.
18 У яна бир бор менга қўлини теккизиб, менга куч ато этди. 19 Мен биринчи
кўрган бошқа бирови* шундай деди:
— Эй Худонинг суюкли бандаси, қўрқма! Тинчлан! Дадил бўл!
У менга гапираётганда, дадилланиб дедим:
— Ҳазратим, сиз менга далда бердингиз, энди гапираверинг.
20-21 — Сенинг олдингга нима учун келганимни биласанми ўзи? — деб сўради
у. — Мен сенга Ҳақиқат китобида ёзилган нарсаларни айтиб бермоқчиман.
Бундан сўнг мен қайтиб, Форс шоҳлигини ҳимоя қилувчи фариштага қарши

урушга чиқаман. Кейин Юнон шоҳлигини ҳимоя қилувчи фаришта билан жанг қиламан. Бу тўқнашувда Исроилни ҳимоя қилувчи Микойил фариштадан бошқа ёрдамчим йўқ.

11–БОБ

[1] Мидиялик Доро* ҳукмронлигининг биринчи йилида мен Микойилга ёрдам бериб, уни муҳофаза қилиб турган эдим.”

Фаришта Дониёрга берган башорат

Миср ва Сурия шоҳликлари

[2] Фаришта* гапида давом этиб, Дониёрга шундай деди:

“Энди эса мен сенга ҳақиқатни айтаман. Форс шоҳлигида яна учта шоҳ ҳукмронлик қилади. Тўртинчи шоҳ бошқаларга қараганда анча бадавлат бўлади. У бойлиги орқали куч орттириб, ҳаммани Юнон шоҳлигига қарши қўзғатади.
[3] Кейин тахтга жанговар бир шоҳ ўтиради, у беқиёс бир салтанатни бошқариб, хоҳлаган ишини қилади. [4] Аммо қудратининг чўққисида салтанати парчаланиб, тўрт қисмга бўлиниб кетади. Шоҳ сулоласига мансуб бўлмаган етти ёт бегоналар тахтга ўтиради, бироқ салтанатнинг илгариги куч–қудрати уларда бўлмайди.
[5] Шу орада Миср шоҳи* кучайиб кетади, аммо шоҳнинг зобитларидан бири зўрайиб, шоҳ салтанатидан улканроқ бир салтанатга ҳукмронлик қилади. [6] Бир неча йил ўтгач, Миср шоҳи Сурия шоҳи* билан иттифоқ тузиб, унга қизини узатади. Шу орқали у Сурия шоҳи билан алоқасини мустаҳкамламоқчи бўлади, бироқ иттифоқ узоқ давом этмайди. Қиз, куёв, қизнинг отаси* ва уларнинг хизматкорлари хоинликнинг қурбонлари бўлишади.
[7] Кўп ўтмай Миср тахтига қизнинг қариндошларидан бири ўтиради. У Сурия шоҳининг қўшинларига ҳужум қилиб, истеҳкомларини забт этади. Қўшинларни тор–мор қилиб, ғалаба қозонади. [8] Сурия худоларининг ҳайкалларини, олтин ва кумушдан қилинган қимматбаҳо идишларни ўлжа қилиб, Мисрга олиб кетади. Сўнг бир неча йил давомида Сурия шоҳининг тинчлигини бузмайди. [9] Шундан кейин Сурия шоҳи Мисрга бостириб боради, аммо енгилиб, ўз юртига қайтиб кетади.
[10] Сурия шоҳининг ўғиллари жангга отланиб, Мисрга катта бир қўшин тортиб боришади. Қўшинлар сел каби оқиб, ёвнинг қалъасига ҳужум қилишади.
[11] Ғазабланган Миср шоҳи Сурия шоҳи билан жанг қилиб, катта ёв қўшинини тор–мор қилади. [12] Ғалабага эришган Миср шоҳи ўта мағрурланиб кетади, аммо омад унга бошқа кулиб боқмайди, [13] чунки бир неча йилдан кейин Сурия шоҳи яна Мисрга қўшин тортиб келади. Бу сафар Сурия қўшинлари олдингидан ҳам зиёдроқ, тиш–тирноғигача қуролланган бўлади.
[14] Шунда кўп одамлар Миср шоҳига қарши бош кўтарадилар. Ваҳий амалга ошсин деб, халқинг орасидаги айрим зўравонлар ҳам қўзғалади, аммо муваффақиятга эриша олмайдилар. [15] Сурия шоҳи мустаҳкам бир шаҳарни қамал қилиб, қўлга киритади. Суриянинг сиқуви остида Миср қўшинлари чекинадилар, ҳатто Мисрнинг сараланган лашкари ҳам ёв қўшинининг шиддатли ҳужумини қайтара олмайди. [16] Сурия шоҳи хоҳлаган ишини қилади, бирор киши унга қаршилик қилишга журъат этмайди. У гўзал Исроил юртини* қўлга киритиб, уни вайрон қилиш имкониятига эга бўлади.
[17] Даставвал Сурия шоҳи ўз салтанатидаги бор қўшинни тўплаб, Мисрни забт этмоқчи бўлади. Кейин Мисрни ичидан емирмоқчи бўлиб, Миср шоҳи билан сулҳ

тузади ва унга қиз узатади. Аммо Сурия шоҳининг бу режалари пучга чиқиб, муваффақият келтирмайди. 18 Бундан сўнг Сурия шоҳи денгиз қирғоғидаги
шаҳарларга ҳужум қилиб, кўпларини қўлга киритади. Аммо ўзга юртлик бир
саркарда бу сурбет шоҳнинг попугини пасайтириб, қилмишларига яраша
жазосини беради. 19 Шунда Сурия шоҳи чекиниб, ўз юртидаги қалъаларига қайтиб
кетади, аммо йўлда ҳалокатга учраб нобуд бўлади.

20 Унинг ўрнига Сурия тахтига бошқа бир шоҳ ўтиради. Хазинасини
бойитмоқчи бўлган бу шоҳ зобитини юбориб, одамларга катта солиқлар солади.
Аммо қисқа вақт ичида ҳалок бўлади. Бу нохуш воқеа на жангда, на бировнинг
қасди натижасида содир бўлади.

Разил Сурия шоҳи

21 Тахтга ўтирган кейинги шоҳ эса ярамас бир одам бўлади. Шоҳ сулоласига
мансуб бўлмаган бу киши кутилмаганда ҳийла орқали Сурия тахтига чиқиб
олади. 22 Унга қаршилик кўрсатган барча қўшинларни орадан супуриб ташлаб,
йўқ қилади. Ҳатто олий руҳонийни* ҳам шу кўйга солади. 23 У бошқа халқлар
билан битим тузгач, маккорона иш тутади. Унга эргашувчиларнинг сони кам
бўлишига қарамай, қудрати тобора ошиб бораверади. 24 У тўсатдан бадавлат
вилоятларга бостириб бориб, ота–боболари қилмаган ишларга қўл уради. Қўлга
киритган ўлжаю мол–мулкни ўзига эргашганларга улашиб беради. Қалъаларни
қўлга олиш режаларини тузади, аммо бундай ҳол узоқ давом этмайди.

25 У куч–қудратини йиғиб, Миср шоҳига қарши катта бир лашкар тортиб
боради. Миср шоҳи эса Сурия лашкаридан бисёрроқ ва кучлироқ қўшин билан ёв
ҳужумини қайтармоқчи бўлади. Бироқ ҳийлагарларнинг домига тушиб,
инқирозга юз тутади. 26 Миср шоҳининг ўз ҳамтовоқлари унинг томирига болта
урадилар. Тор–мор бўлган Миср қўшинлари жангда ҳалок бўладилар. 27 Ўша
иккала шоҳ бир дастурхонда ўтириб овқатланишади, аммо дилидаги ғаразни
хушомад билан яшириб, бир–бирига ёлғон гапиришади. Бироқ Худо белгилаб
қўйган вақт–соати етиб келмагани учун, бирортаси ҳам муваффақиятга
эришмайди. 28 Сурия шоҳи бир талай бойлик билан она юртига қайтиб кетади.
Йўлда эса муқаддас аҳд аҳлига ва уларнинг эътиқодига қарши чиқиб, уларга кўп
озор етказади.

29 Белгиланган вақтда Сурия шоҳи яна Мисрга юриш қилади, аммо бу сафар
вазият бошқача тус олади. 30 Ғарб соҳилларидан* келган жанг кемалари Сурия
шоҳига қаршилик кўрсатишади, юраги дов бермаган Сурия шоҳи чекинади. Бироқ
муқаддас аҳд аҳлига ва уларнинг эътиқодига ғазабини сочиб, аламидан чиқади,
муқаддас аҳддан тойганларни эса мукофотлайди. 31 Унинг лашкари Худо
халқининг қалъаси бўлмиш Маъбадга бостириб кириб, табаррук жойни ҳаром
қилади. Улар кундалик қурбонликларни тўхтатиб, кўп ҳаром–хариш ишларга
сабаб бўладиган макруҳ нарсани* ўрнатишади. 32 Шоҳ ширин сўзлар билан аҳддан
тойганларнинг кўнглини овлаб, уларни ўз томонига оғдириб олади. Худога содиқ
қолганлар эса бор кучлари билан унга қаршилик кўрсатадилар. 33 Халқ орасидаги
доно йўлбошчилар одамларга оқилона панд–насиҳатлар беришади. Аммо кўп
ўтмай уларнинг айримлари қиличдан ўтказилади, айримлари тириклайин оловда
куйдирилади, айримлари зиндонга ташланади, уларнинг мол–мулки тортиб
олинади. 34 Қувғин пайтида уларга озгина ёрдам тегади. Бироқ сафларига баъзи
бир риёкор одамлар кириб олишади. 35 Қувғин пайтида айрим доно кишилар азоб
чекадилар. Бироқ бу азоблар орқали Худо уларни охирзамон вақтига тайёрлаб,
тозалаб поклайди, чунки белгиланган вақт ҳали ҳам келмаган бўлади.

36 Сурия шоҳи хоҳлаганини қилади. Ўзини юксалтириб, худолардан устун

қўяди. Энг буюк Худога қарши гапириб, куфр кетади. Худо белгилаб қўйган ғазаб даври тугагунига қадар муваффақият қозонади. Бироқ Худо Ўз режасини албатта амалга оширади. 37 Сурия шоҳи ота–боболари сиғинган худоларни ҳамда аёллар яхши кўрадиган худони* писанд қилмайди. Ўзини юксалтириб, бирон та худони назарига илмайди. 38 Буларнинг ўрнига у қалъаларни ҳимоя қилувчи худони* улуғлайди. Ота–боболари топинмаган бу худога у олтин, кумуш, жавоҳир ва қимматбаҳо совғаларни назр қилади. 39 Ўзга юрт худосининг ҳомийлиги билан қалъаларини ҳимоя қилади. Уни ҳақиқий ҳукмдор деб билганларга иззат–эҳтиром билдириб, юқори мансабларга кўтаради. Бундай одамларга ерларни мукофот сифатида бўлиб беради.

40 Охирзамон вақтида Миср шоҳи Сурия шоҳига ҳужум қилади. Аммо Сурия шоҳи жанг аравалари, чавандозлари ва талай кемалари билан унга қаршилик кўрсатиб, тошқин сувлар каби кўп шоҳликларни босиб олади. 41 У гўзал Исроил ўлкасини ҳам забт этиб, минглаб халқларнинг бошига етади. Аммо Эдом ҳамда Мўаб халқлари ва Оммон* халқининг асосий қисми Сурия шоҳининг чангалидан қочиб қутулади. 42 Кўплаб шоҳликлар, шулар қатори, Миср ҳам Сурия истилоси остида қолади. 43 Сурия шоҳи Мисрнинг олтину кумуш хазиналарига ва барча бойликларига эгалик қилади. Ливияликлар билан Ҳабашистонликлар* ҳам унга қарам бўладилар. 44 Бироқ шарқ ва шимолдан келган нохуш хабарлар Сурия шоҳини ваҳимага солади. Бу хабарлардан дарғазаб бўлган шоҳ йўлга отланиб, кўп одамларни қириб ташлайди. 45 Сўнг денгиз ва гўзал муқаддас тоғ орасидаги ерларга бориб, у ерда шоҳона чодирларини тикади. Аммо ўша жойда жон беради, унга ёрдам берадиган ҳеч ким бўлмайди.”

12–БОБ

Охирзамон

1 Фаришта* гапини давом эттирди:

“Ўша пайтда халқингни ҳимоя қилувчи буюк Микойил фаришта ҳозир бўлади. Шунда инсонлар бирлашиб халқ бўлгандан бери мисли кўрилмаган даҳшатли азоб–уқубатлар даври бошланади. Аммо ўша дамларда сенинг халқинг орасидан Худонинг китобига* исми ёзилган ҳар бир одам нажот топади. 2 Қора ер бағрида ётганларнинг кўпчилиги уйғонади: кимдир абадий ҳаётга эришади, кимдир шармандалигу абадий иснодга дучор бўлади. 3 Донолар мусаффо осмон каби яшнайдилар, одамларни ҳақ йўлга солганлар эса юлдузлар каби мангу порлайверадилар. 4 Сен эса, эй Дониёр, китобни муҳрлагин–у, бу сўзларни охирзамонгача сир сақла. Бу давр мобайнида кўп одамлар ўзларини у ёқдан–бу ёққа уриб, юз бераётган ҳодисаларни тушунмоқчи бўладилар*.”

Дониёрнинг икки фаришта ҳақидаги ваҳийси

5 Дониёр шундай деб ёзди:

“Мен дарёнинг бўйида пайдо бўлган яна бошқа икки фариштани кўрдим. Биттаси дарёнинг бу томонида, бошқаси у томонида турар эди. 6 Уларнинг бири оқимнинг юқори қисмида турган зиғир либосли фариштадан*:

— Бундай қийинчиликлар қачонгача давом этади? Охири борми ўзи? — деб сўради.

7 Зиғир либосли фаришта иккала қўлини осмонга чўзиб, барҳаёт Худонинг номи билан қасам ичганини ва шундай сўзлар айтганини эшитдим:

— Бу қийинчиликлар уч ярим йил* давом этади. Худога қарашли одамларнинг куч–қудрати тамомила йўқ қилингандан кейин, ўша қувғинларнинг барчаси ўз ниҳоясига етади.

8 Ўша одамнинг гапларини эшитдим–у, тушунмадим:

— Эй ҳазратим, бунинг оқибати нима бўлади? — деб сўрадим.

9 У шундай жавоб берди:

— Бу тўғрида ҳеч хавотир олма, Дониёр, чунки бу сўзлар муҳрланган бўлиб охирзамонга қадар сир сақланади. 10 Бу қувғинлар туфайли кўп одамлар тозаланиб, покланади, аммо фосиқлар фосиқлигини давом эттираверади. Фосиқларнинг биронтаси ҳам буни тушунмайди, донолар эса буларнинг барчасини англаб оладилар. 11 Кундалик қурбонликлар тўхтатилиб, кўп ҳаром–хариш ишларга сабаб бўладиган макруҳ бир нарса* ўрнатилган пайтдан бошлаб 1290 кун ўтади. 12 Охиргача, яъни 1335 кун ўтгунга қадар содиқ бўлиб қолганлар нақадар бахтиёрдир. 13 Эй Дониёр, сен эса ҳаётингни шу зайлда давом эттиравер. Вақти келиб, оламдан кўз юмасан. Охиратда эса мукофотингни олиш учун тириласан.”

ИЗОҲЛАР

1:1 *Яҳудо* — Яҳудо қабиласи Исроилнинг жанубий қисмидаги энг катта қабила эди. Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди (3 Шоҳлар 11:26-12:24 га қаранг). Яҳудо ва Бенямин қабилалари жанубий шоҳлик деб аталадиган бўлди. Жанубий шоҳликнинг пойтахти Қуддус бўлиб қолаверди, уларнинг ўз ҳукмдорлари бор эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:1 *Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим ҳукмронлигининг учинчи йили* — милоддан олдинги 605 йил.

1:2 *Раббий Ёҳайиқимни Навухадназарнинг қўлига берди* — Ёҳайиқим уч йил давомида Навухадназарга қарам бўлди. Охири, у Навухадназарга қарши исён кўтарди. Ёҳайиқим Қуддусда вафот этган бўлиши мумкин (4 Шоҳлар 24:1-6 га қаранг). Шундан кейин унинг ўғли Ёҳайихин Яҳудо тахтига ўтирди. Навухадназар уни милоддан олдинги 597 йилда Бобилга асир қилиб олиб кетди (4 Шоҳлар 24:8-15 га қаранг).

1:2 *Бобил* — ибронийча матнда *Шинар*, Месопотамиядаги, яъни Дажла ва Фурот дарёлари орасида жойлашган ерлардаги бир ҳудуднинг қадимги номи. Бобил шоҳлиги дастлаб шу ерда барпо бўлиб, кейинчалик кўп ерларни эгаллаган буюк шоҳлик бўлган.

1:3 *мулозим* — қадимда сарой хизматида бўлган киши (шу бобнинг 7, 8, 9, 10, 11, 18–оятларида ҳам бор). Мулозим ҳукмдорнинг ёки саройдаги юқори лавозимдаги амалдорнинг фармонларини, топшириқларини бажарган ва уларнинг номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган. Бу ўриндаги ибронийча сўз бичилган эркакка нисбатан ҳам ишлатилган. Ҳукмдорнинг хонадонидаги аёллар билан кўп мулоқот қилиш зарурати бўлгани учун бу мулозимлар кўпинча бичиб қўйилар эди.

1:4 *бобил тили* — ибронийча матнда *халдей тили*, ўша вақтда Бобил юрти *Халдейлар юрти* деб ҳам аталарди.

1:8 *Дониёр шоҳона егулик ва шаробдан булғанишни хоҳламади…* — қадимги пайтларда одамлар ўз худоларига қурбонлик қилинган ҳайвоннинг гўштини тановул қилишарди, шароб ҳам мана шу қурбонликка қўшиб назр қилинарди. Эҳтимол, шоҳ дастурхонидаги баъзи бир егуликлар, Мусо қонунига кўра, ҳаром ҳисоблангандир (Левилар 11:1-47 га қаранг). Мана шу сабабларга кўра, Дониёр шоҳона егуликларни рад этган.

1:10 *сизлар* — яъни Дониёр ва унинг дўстлари Шадрах, Мешах ва Абеднаху. Дониёрнинг дўстлари ҳам, Дониёр билан бир қаторда, шоҳона егуликдан воз кечганлари кўриниб турибди.

1:21 *шоҳ Куруш ҳукмронлигининг биринчи йили* — милоддан олдинги 538 йил. Мидия ва Форс лашкарлари шоҳ Куруш бошчилигида Бобил шаҳрини милоддан олдинги 539 йилда босиб олган эдилар. Шоҳ Куруш милоддан олдинги 530 йилгача Бобилда ҳукмронлик қилди. У Кир исми билан ҳам танилган.

2:1 *Навухадназар ўз ҳукмронлигининг иккинчи йили* — милоддан олдинги 603 йил.

2:2 *афсунгарлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор). Халдейлар фолбинлик ва сеҳр–жоду қилишлари билан ном таратганлари учун, мана шундай иш билан шуғулланадиган одамларга нисбатан ҳам мана шу термин ишлатилган.

2:4 *...орамий тилида дедилар...* — мана шу жойдан 7–бобнинг охиригача асл матн иброний тилида эмас, орамий тилида ёзилган.

2:15 *шошилинч* — ёки *шафқатсиз*.

2:26 *...Дониёрнинг бошқа исми Белташазар эди...* — 1:7 га қаранг.

2:27 *раммол* — фолбинларнинг бир тури. Қадимги шарқда, хусусан, Бобилда раммоллар алоҳида илмий лаёқатга эга бўлган шахслар деб қаралар эди. Уларнинг башоратлари астрология илмига — осмон ёритқичларининг ҳолатига асосланар эди.

2:34 *ўз–ўзидан* — орамийча матнда *инсон қўли билан эмас*. Бу ишни Худо қилгани назарда тутилган (шу бобнинг 45–оятида ҳам бор).

2:36-45 Навухадназарнинг тушидаги ҳайкал бирин–кетин ҳукмронлик қиладиган тўртта шоҳликка ишора қилади. Худо бу тўрттала шоҳликни вайрон қилиб, уларнинг ўрнига Ўзининг янги Шоҳлигини барпо қилади. Худонинг Шоҳлиги бутун ер юзига ёйилиб, абадий туради (шу бобнинг 35, 44–оятларига қаранг). Кўп олимлар ҳайкалнинг тўрт қисмини қуйидагича шарҳлашади: тилла бош — Бобил шоҳлиги (шу бобнинг 38–оятига қаранг), ҳайкалнинг кумуш кўкраги ва қўллари — бирлашган Мидия ва Форс шоҳлиги. Бу шоҳликка Куруш милоддан олдинги 539 йилда, Бобил қулагандан кейин асос солган (1:21 изоҳига қаранг). Ҳайкалнинг бронза бели ва сонлари — милоддан олдинги 330 йилларда Искандар Зулқарнайн асос солган Юнон империясини билдиради. Темир болдирлар — Рим империясидир. Бир қисми лойдан, бир қисми темирдан бўлган оёқлар ва оёқ бармоқлари — олдин Римликларнинг қўли остида бўлган ҳудуддаги шоҳликларнинг конфедерациясини билдиради. Бошқа олимларнинг талқинларига кўра эса ҳайкалнинг тўртта қисми Бобил, Мидия, Форс ва Юнон империяларига ишора қилади. Ҳайкалнинг бир қисми лойдан, бир қисми темирдан бўлган оёқлар ва оёқ бармоқлари — Искандар Зулқарнайн вафотидан кейин иккига бўлиниб кетган Юнон сулоласини билдиради. Бу сулолаларнинг бири Мисрда, иккинчиси Сурияда ҳукмронлик қилган.

3:1 *Баландлиги олтмиш тирсак, эни эса олти тирсак...* — баландлиги тахминан 27 метрга, эни эса тахминан 3 метрга тўғри келади.

3:1 *Дурах текислиги* — бу текисликнинг қаерда жойлашгани аниқ маълум эмас.

3:3 *Бу барча амалдорлар...* — орамийча матнда *Ноиблар, маъмурлар, ҳокимлар, маслаҳатчилар, хазинабонлар, қонуншунослар, қозилар ва вилоят амалдорлари...*.

3:7 *Чолғу асбоблари* — орамийча матнда *Карнай, най, лира, чанг, арфа, доира ва бошқа чолғу асбоблари...*. Орамийча матнда шу бобнинг 10, 15–оятларида ушбу асбобларнинг тўлиқ рўйхати такроран берилган.

3:8 *Бобилликлар* — орамийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

3:25 *илоҳий зот* — орамийча матндан сўзма–сўз таржимаси *худолар ўғли* ёки *Худо ўғли*. Бу ибора самода яшайдиган мавжудотларга, жумладан, фаришталарга нисбатан ишлатилган. Шу бобнинг 28–оятида мана шу кимса орамийча матнда фаришта деб айтилган.

4:4 *афсунгар* — орамийча матнда *Халдейлар*. 2:2 изоҳига қаранг.

4:4 *раммоллар* — 2:27 изоҳига қаранг.

4:5 *...унинг Белташазар деган исми...* — 1:7 га қаранг.

4:5 *...мен сиғинадиган худонинг исми билан ҳамоҳангдир* — Бобилнинг бош худоси исми Бэл эди (Мардух исми билан ҳам танилган).

4:5 *худоларнинг руҳи* — ёки *Худонинг Руҳи*.

4:6 *худоларнинг руҳи* — ёки *Худонинг Руҳи*.

4:13 *етти йил* — орамийча матндан сўзма–сўз таржимаси *еттита муддат*. Баъзан Дониёр китобида *муддат* сўзи бир йилга нисбатан ишлатилган. Бу орамийча ибора шу бобнинг 20, 22, 29–оятларида ҳам бор.

4:15 *худоларнинг руҳи* — ёки *Худонинг Руҳи*.

4:16 *Менинг тушим...дедим унга мен* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Туш...деди унга шоҳ*. Бу ўринда шоҳ Навухадназар ўзи ҳақида учинчи шахсда гапирган. Баъзан шоҳларнинг мактубларида бундай усулдан фойдаланилган. Англашилмовчиликнинг олдини олиш учун мазкур таржимада ҳам мактубнинг давоми биринчи шахс тилидан ёзилган, чунки матннинг бу қисми 3:31 оятдан бошланган шоҳ мактубининг давомидир.

4:25 *...менинг бошимга тушди* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...буларнинг ҳаммаси шоҳ Навухадназарнинг бошига тушди*. Шу бобнинг 25-30–оятларида шоҳ Навухадназар ўзи ҳақида учинчи шахсда гапирган. 4:16 изоҳига қаранг.

4:26 *...саройимнинг томида сайр қилиб юрган эдим...* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

5:1 *шоҳ Белшазар* — Навонидуснинг ўғли бўлиб, отаси билан бирга ҳукмронлик қилган. Навонидус Бобилнинг энг охирги шоҳи бўлиб, милоддан олдинги 555-539 йилларда ҳукмронлик қилган.

5:2 *Катта бобом* — орамийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Отам*. Бу сўзнинг маъноси *аждод* ёки *ўзидан олдин ўтган бирор шоҳ* бўлиши ҳам мумкин. Белшазарнинг отаси Навонидус шоҳ Навухадназар сулоласидан бўлмаган. Навухадназардан то Белшазаргача бир неча шоҳлар ҳукмронлик қилган. Бу орамийча сўз шу бобнинг 11, 13, 18–оятларида ҳам бор.

5:2 *...Катта бобом Навухадназар...олиб келган олтин ва кумуш қадаҳлар...* — 1:2 га қаранг.

5:2 *канизаклар* — ибронийча матнда бу сўзнинг маъноси қуйидагича: канизаклар қонуний хотин бўлмасалар–да, хўжайинлари улар билан жинсий алоқада бўлишган. Қадимги пайтларда бу аёлларнинг жиддий қонуний ҳуқуқлари бўлиб, хўжайинлари уларнинг эрлари сифатида бўлган.

5:7 *афсунгар* — орамийча матнда *Халдейлар* (шу бобнинг 11–оятида ҳам бор). 2:2 изоҳига қаранг.

5:7 *раммоллар* — 2:27 изоҳига қаранг.

5:7 *...чап қўл вазирим...* — яъни Навонидус ва Белшазардан кейинги лавозимдаги одам (шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг).

5:10 *она малика* — ёки *малика*, орамийчада бу сўз ёши катта аёлга нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин. Матн мазмунига кўра, бу аёл Дониёр ҳақида Белшазар билмаган нарсаларни ҳам билган. Эҳтимол, у Навонидуснинг ёки анча олдин ўтиб кетган Навухадназарнинг хотини бўлган.

5:11 *худоларнинг руҳи* — ёки *Худонинг Руҳи*.

5:12 *Катта бобонгиз уни Белташазар деб атаган эди* — 1:7 га қаранг.

5:14 *худоларнинг руҳи* — ёки *Худонинг Руҳи*.

5:22 *…сиз, эй шоҳ Белшазар, катта бобонгизнинг бошидан ўтган бу воқеалардан хабардор бўла туриб…* — орамийча матнда *…сиз унинг ўғли, эй шоҳ Белшазар, бу воқеалардан хабардор бўла туриб….* Орамийчада *ўғил* сўзи *авлод* ёки *ворис* маъноларини ифодалаши мумкин. Шу бобнинг 2–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

5:25 *…ва ПАРСИН…* — орамийча матнда *…УПАРСИН…*, маъноси *ва ПАРСИН*.

5:28 *ПЕРЕС, яъни «бўлинган»…Форсларга берилди* — орамийча *перес* сўзи *парсин* сўзининг бирлик формасидир. Бу сўзнинг *парсин* шакли шу бобнинг 25–оятида ишлатилган. Бу сўзнинг маъноси *бўлинган* демакдир. *Перес* сўзи орамийчадаги *Форс шоҳлиги* сўзига оҳангдош.

5:30 *Бобил* — орамийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

5:30 *…Бобил шоҳи Белшазар ўлдирилди* — милоддан олдинги 539 йилда Мидияликлар ва Форслар Бобилни босиб олиб, Белшазарни ўлдиришган.

5:31 *Мидиялик Доро* — бу ҳукмдорнинг шахси ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Мидия ва Форс давлатларини бирлаштирган Форс шоҳи Куруш милоддан олдинги 539 йилда Бобилни босиб олган эди (1:21 изоҳига қаранг). Шу боис унга Бобилда “Мидиялик Доро” унвони берилган бўлиши мумкин. Ёки бу унвон шоҳ Куруш Бобил ҳудудига тайинлаган ҳокимга нисбатан ишлатилган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳоким ҳақида қадимги Бобил қўлёзмаларида айтиб ўтилган. Дониёр китобининг бир неча жойида айтиб ўтилган Дорони милоддан олдинги 522-486 йилларда ҳукмронлик қилган машҳур Форс шоҳи Доро билан адаштирмаслик керак.

6:1 *шоҳ Доро* — 5:31 изоҳига қаранг.

6:28 *…Доро ва Форс шоҳи Курушнинг ҳукмронлиги даврларида…* — ёки *…Доро ҳукмронлиги даврида, яъни Форс шоҳи Курушнинг ҳукмронлиги даврида….* Доро ҳақида маълумот олиш учун 5:31 изоҳига қаранг. Куруш милоддан олдинги 539-530 йилларда ҳукмронлик қилган. Шоҳ Куруш яна Кир исми билан танилган.

7:1 *Бобил шоҳи Белшазар ҳукмронлигининг биринчи йили* — милоддан олдинги 554 йил назарда тутилган. Ўша йили Белшазар отаси Навонидус билан бирга ҳукмронлик қилишни бошлаган эди. Ушбу бобда тасвирланган воқеалар 5–бобдаги воқеалардан аввал содир бўлган.

7:3 *тўртта баҳайбат махлуқ* — шу бобнинг 3-8–оятларида тасвирланган махлуқлар бирин–кетин ҳукмронлик қиладиган тўртта шоҳликка ишора қилади. Шоҳ Навухадназар тушида кўрган ҳайкалнинг тўртта қисми ҳам бу шоҳликларни ифодалаган (2:31-35 га қаранг). 2:36-45 изоҳида ўша шоҳликлар ҳақида маълумот берилган. Тўртта махлуқнинг ҳукмронлигидан кейин, тахтни Худо танлаган инсон эгаллайди. Худо унга чексиз ҳокимият беради, ўша инсон абадий ҳукмронлик қилади (шу бобнинг 13-14–оятларига қаранг). Шоҳ Навухадназарнинг тушида ҳайкалга урилган ва катта тоққа айланган тош ўша ҳукмдорни ва унинг абадий шоҳлигини ифодалайди (2:35, 44-45 га қаранг).

7:4 *Биринчиси…инсон онги берилган эди* — биринчи махлуқ Бобил шоҳлигини билдиради. Мазкур оятдаги махлуқнинг қисмати 4:25-34 да шоҳ Навухадназар бошидан кечирган кўргуликларга ишора қилаётган бўлиши мумкин.

7:8 *...уларнинг орасидан ўсиб чиқаётган яна бир шохчани...* — шу бобнинг 7-8–оятларидаги шохлар тахтга ўтирадиган қудратли ҳукмдорларга ишора қилади. 8–оятда тасвирланган шохча эса Исроил халқининг Худосини таҳқирлайдиган ва ўзини Худо деб атайдиган ҳукмдорни билдиради (яна 11:36 га ва 2 Салоникаликлар 2:4, Ваҳий 13:5-6 га қаранг). Айрим олимларнинг фикри бўйича, тўртинчи шоҳлик — Рим империяси эмас, Юнон империяси бўлиб (2:36-45 изоҳига қаранг), оятдаги шохча Антиох IV ни билдиради (8:9-12 га ва ўша оятларнинг изоҳига қаранг).

7:9 *Азалий Нуроний* — орамийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Кунларнинг Қадимгиси* (шу бобнинг 13, 22–оятларида ҳам бор). Бу ибора ниҳоятда донишманд ва кекса инсонга ҳурмат билан муносабатда бўлишни билдирарди. Бу бобда Дониёр мазкур иборани Худога нисбатан ишлатади.

7:10 *китоблар* — ҳар бир инсоннинг яхши–ёмон ишлари ёзилган китоблар. Ваҳий 20:11-15 га қаранг.

7:12 *...маълум бир вақтгача...* — орамийча матнда *...бир фасл ва вақтгача....*

7:13 *инсон қиёфасидаги бир зот* — орамийча матндан сўзма–сўз таржимаси *инсон ўғлига ўхшаган кимса*. "Инсон ўғли" ибораси инсонга ёки инсон қиёфасидаги зотга нисбатан ишлатилган (мисол учун, 8:17 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИНСОН ЎҒЛИ иборасига қаранг.

7:19 *тўртинчи махлуқ* — шу бобнинг 7-8–оятларига қаранг.

7:25 *уч ярим йил* — орамийча матндан сўзма–сўз таржимаси *бир муддат, муддатлар ва ярим муддат*. Дониёр китобида *муддат* сўзи баъзан бир йилга нисбатан ишлатилган.

8:1 *Шоҳ Белшазар ҳукмронлигининг учинчи йили* — милоддан олдинги 552 йил, биринчи ваҳийдан икки йил ўтгандан кейин (7:1 га қаранг). Мазкур бобда тасвирланган воқеалар 5–бобдаги воқеалардан аввал содир бўлган.

8:2 *Шушан қалъаси* — бу шаҳар деворлар билан ўралган бўлиб, вилоятнинг пойтахти эди.

8:3 *...бир қўчқор...Унинг иккита узун–узун шохлари бор экан* — икки шохли бу қўчқор бирлашган Мидия ва Форс шоҳлигига ишора қилади.

8:3 *Иккинчи бўлиб чиққан шох биринчисига қараганда узунроқ экан* — узунроқ бўлган шох Форс шоҳи Курушни билдиради. Куруш Мидия ва Форс давлатларини бирлаштирган эди (1:21 изоҳига қаранг).

8:5 *...бир така...улкан бир шох бор эди* — така Юнон империясига, таканинг улкан шохи эса Искандар Зулқарнайнга ишора қилади. У милоддан олдинги 330 йилда бирлашган Мидия ва Форс шоҳлигини босиб олган эди.

8:8 *...улкан шохи синиб тушди. Синиб тушган шохнинг ўрнига...тўртта катта шох ўсиб чиқди* — шохнинг синиб тушиши Искандар Зулқарнайннинг ўлимига ишора қилади. Ўсиб чиққан тўртта катта шох Искандарнинг тўртта лашкарбошисини билдиради. Искандар Зулқарнайн милоддан олдинги 323 йилда вафот этгач, тўртала лашкарбоши унинг шоҳлигини бўлишиб оладилар. Бўлинган бу шоҳликлар Юнонистон, Кичик Осиё, Сурия ва Миср эди.

8:9 *гўзал Исроил ўлкаси* — ибронийча матнда *гўзал ўлка*, Исроил юртига ишора.

8:9-12 Дониёрга келган ваҳийнинг бу қисмидаги кичкина шох милоддан олдинги 175-164 йилларда Сурияда ҳукмронлик қилган Юнон шоҳи Антиох IV га ишора

қилади. Уни Антиох Эпифан деб ҳам аташарди. Милоддан олдинги 167 йилда Антиох IV Қуддусни босиб олиб, у ердаги деярли ҳамма эркакларни қириб ташлади, аёллар ва болаларни эса қул қилиб олди. У яҳудийларга кўп зулм ўтказди, уларнинг эътиқодини йўқ қилишга астойдил уринди. Суннат қилиш одатини тақиқлади. Ўзини кўкларга кўтариб, Худога тенглаштирди, Қуддусдаги Маъбадни булғади (9:27 нинг охирги изоҳига қаранг), кунда келтириладиган қурбонликларга чек қўйди. Шу вақт мобайнида имонда собит қолган кўп яҳудийлар қурбон бўлди. Милоддан олдинги 165 йилда яҳудийлар Антиох IV ҳукмронлигига қарши исён кўтариб, озодликка эришдилар. 7:8 да охирзамон даврида ҳокимият тепасига келадиган муртад бир шоҳ ҳақида ҳикоя қилинган эди, Антиох IV ўша муртад шоҳнинг жонли намунасидир (7:8 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

8:14 *2300 кечаю кундуз* — буни 2300 сутка деб тушунса бўлади ёки 1150 кеча ва 1150 кундуз алоҳида ҳисобланган ҳолда, 1150 сутка деб тушунса ҳам бўлади. Иккинчи талқин қуйидаги сабабларга кўра, мантиққа тўғри келади: 1150 кун 7:25 да айтиб ўтилган уч ярим йилга тенг. Қурбонликлар кун давомида икки маҳал, эрталаб ва кечқурун келтирилгани учун, кеча ва кундуз алоҳида ҳисобланган бўлиши мумкин.

8:17 *инсон* — ибронийча матнда *инсон ўғли*. Бу ўринда шу ибора пайғамбар ҳам одам зотидан эканлигини, абадий яшамаслигини, у ҳам Худонинг кучига муҳтожлигини кўрсатиш учун ишлатилган.

9:1 *Бобил* — ибронийча матнда *Халдей*, ўша вақтда Бобил юрти шу ном билан ҳам аталарди.

9:1 *Ахашвераш* — Эзра ва Эстер китобларида айтиб ўтилган, Ксеркс исми билан ҳам танилган Ахашверашдан бошқа шоҳ.

9:1 *...Мидиялик...Доро...* — 5:31 изоҳига қаранг.

9:2 *Эгамиз Еремиё пайғамбарга айтган сўзларига кўра...* — Еремиё 25:11-12, 29:10 га қаранг.

9:3 *...қаноргa ўрандим, кулга беланиб...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанорга ўраниб олиш ва кулга беланиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

9:16 *муқаддас тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. У ерда Худо Ўзини Исроил халқига маълум қилган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

9:20 *...Худонинг муқаддас тоғи — Қуддус...* — ибронийча матнда *Қуддус* келтирилмаган, қиёслаш учун шу бобнинг 16–ояти изоҳига қаранг.

9:21 *Мен уни олдинги ваҳийда ҳам кўрган эдим* — 8:16-17 га қаранг.

9:24 *етмиш карра етти йил* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *70 та етти*, 490 йиллик давр назарда тутилган.

9:24 *муқаддас Маъбад* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *муқаддасларнинг муқаддаси* бўлиб, Маъбадга, Маъбаддаги қурбонгоҳга ёки олий руҳонийга ишора. Қайси сўз ёки ибора назарда тутилганидан қатъий назар, бу

оят “одамлар яна Маъбадда сажда қила оладилар” деган маънони билдиради.

9:25 *...Худо мой суртиб танлаган йўлбошчи...* — Масиҳ назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

9:25 *етти карра етти йил* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *7 та етти*, 49 йиллик давр назарда тутилган.

9:25 *Олтмиш икки карра етти йил* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *62 та етти*, 434 йиллик давр назарда тутилган (шу бобнинг 26–оятида ҳам бор).

9:26 *У эришган ҳамма нарса барбод бўлади* — ёки *Ҳеч ким унинг ўрнини олмайди*.

9:27 *бир карра етти йил* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *1 та етти*, 7 йиллик давр назарда тутилган.

9:27 *Маъбад* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *қанот*, Маъбаднинг айни бир қисмига ёки Маъбаддаги қурбонгоҳга ишора қилаётган бўлиши мумкин.

9:27 *...Маъбадда макруҳ бир нарса ўрнатади. Бу нарса кўп ҳаром–хариш ишларга сабаб бўлади* — кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, бу ҳодиса милоддан олдинги 167 йилда, Юнон шоҳи Антиох IV ҳукмронлиги даврида юз берган. Уни Антиох Эпифан деб ҳам аташарди. У милоддан олдинги 175-164 йилларда Сурияда ҳукмронлик қилган. Қуддусдаги Маъбаднинг қурбонгоҳи устига худо Зевсга атаб қурбонгоҳ қурдириб, у ерда чўчқаларни қурбонлик қилган. Исо қилган башоратга кўра, шунга ўхшаш ҳодиса охирзамон даврида ҳам содир бўлади (Матто 24:15 га қаранг).

10:1 *Куруш ҳукмронлигининг учинчи йили* — милоддан олдинги 536 йил (1:21 изоҳига қаранг).

10:1 *Белташазар деб аталган Дониёр* — 1:7 га қаранг.

10:1 *Келажакда албатта содир бўладиган кучли тўқнашувга оид бўлган бу...* — ёки *Хабар тўғри эди, аммо уни тушуниш жуда қийин эди. Бу...*.

10:4 *биринчи ой* — иброний календарининг Нисон ойи назарда тутилган (Нисон ойи Абиб ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан мартнинг ўртасидан бошланади.

10:5 *соф тилладан ясалган камар* — ёки *Уфаздан келтирилган тилладан ясалган камар*. Уфаз деган жой ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

10:13 *Мен у билан жанг қилиб ҳаяллаб қолганим учун...* — ибронийча матнда *Мен Форс шоҳлари билан курашиб ҳаяллаб қолганим учун...*, оятнинг биринчи қисмида ва шу бобнинг 20-21–оятларида айтиб ўтилган ҳимоя қилувчи фаришта билан бўлган тўқнашув назарда тутилган бўлиши мумкин.

10:16 *одам қиёфасидаги бошқа бирови* — ибронийча матнда *одамга ўхшаган биттаси*. Шу оятда ва 18–оятда айтилиб ўтилган бу кимса 5-6–оятлардаги зотми ёки бошқами — аниқ эмас.

10:19 *Мен биринчи кўрган бошқа бирови...* — ибронийча матнда *У...*. Бу оятда 5-6–оятларда айтиб ўтилган зот назарда тутилган бўлиши мумкин.

11:1 *Мидиялик Доро* — 5:31 изоҳига қаранг.

11:2 *Фаришта* — 10:5-6 да тасвирланган, майин зиғир матосидан тикилган либос кийган фаришта.

11:5 *Миср шоҳи* — ибронийча матнда *жануб шоҳи*, Миср ҳукмдори назарда тутилган (шу бобнинг 8–оятига қаранг). Шу бобнинг ибронийча матнида бу

ҳукмдорга нисбатан ҳар доим “жануб шоҳи” ибораси ишлатилган.

11:6 *Сурия шоҳи* — ибронийча матнда *шимол шоҳи*, Сурия ҳукмдори назарда тутилган (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СУРИЯ сўзига қаранг). Шу бобнинг ибронийча матнида бу ҳукмдорга нисбатан ҳар доим “шимол шоҳи” ибораси ишлатилган.

11:6 *отаси* — ибронийча матндан. Қадимий сурёнийча ва лотинча таржималарда *ўғли*.

11:16 *гўзал Исроил юрти* — ибронийча матнда *гўзал ўлка*, Исроил юртига ишора (шу бобнинг 41–оятида ҳам бор).

11:22 *олий руҳоний* — ибронийча матнда *аҳд шаҳзодаси*.

11:30 *Ғарб соҳилларидан…* — ибронийча матнда *Киттимдан…*. Бу ном умуман Ўрта ер денгизи бўйларида, яъни Исроилдан ғарбда яшайдиган халқларни билдириши мумкин. Бу ўринда Римликлар назарда тутилганининг эҳтимоли кўпроқ.

11:31 *…кўп ҳаром–хариш ишларга сабаб бўладиган макруҳ нарсани…* — 9:27 нинг охирги изоҳига қаранг.

11:37 *аёллар яхши кўрадиган худо* — худо Таммуз назарда тутилган бўлиши мумкин. Бу худо Адонис ва Осирис номлари билан ҳам юритилади. Одамлар, бу худо аёлларни серпушт қилади, деб ишонар эдилар (Ҳизқиёл 8:14 га қаранг).

11:38 *қалъаларни ҳимоя қилувчи худо* — худо Зевс ҳақида айтилаётган бўлиши мумкин.

11:41 *…Эдом…Мўаб…Оммон…* — Эдом Ўлик денгизнинг жанубида, Мўаб Ўлик денгизнинг шарқида, Оммон Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган юртлар эди.

11:43 *Ҳабашистонликлар* — ибронийча матнда *Кушликлар*. Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

12:1 *Фаришта* — 10:5-6 да тасвирланган, майин зиғир матосидан тикилган либос кийган фаришта.

12:1 *Худонинг китоби* — Худо Ўзига тегишли бўлганларнинг исмларини ёзиб қўйган китоб.

12:4 *…юз бераётган ҳодисаларни тушунмоқчи бўладилар* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…билим кўпаяди*.

12:6 *зиғир либосли фаришта* — 10:5-6 да айтиб ўтилган фаришта.

12:7 *уч ярим йил* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *бир муддат, муддатлар ва ярим муддат*. Дониёр китобида *муддат* сўзи баъзан бир йилга нисбатан ишлатилган.

12:11 *…кўп ҳаром–хариш ишларга сабаб бўладиган макруҳ бир нарса…* — 9:27 нинг охирги изоҳига қаранг.

ХЎШЕЯ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Мазкур китоб Хўшея пайғамбарнинг номи билан аталган. Хўшея пайғамбар Амос пайғамбардан кейин ваъз қилган. У асосан Исроилда*, яъни шимолий шоҳликда, шоҳлик қулашидан олдин фаолият кўрсатган. Исроил шоҳлиги милоддан олдинги 722 йилда қулаган.

Китобнинг дастлабки уч бобида Хўшеянинг оилавий ҳаёти тасвирланади. Хўшеянинг оиласи у Исроил юртида ваъз қилган хабарнинг жонли сурати бўлиб хизмат қилади. Худо Ўз халқи Исроилнинг бевафолигини кўрсатмоқчи бўлиб, Хўшеяга: “Фоҳиша аёлга уйлан”, деб амр қилади. Фоҳиша аёл Хўшеяга уч фарзанд туғиб беради. Хўшеянинг фарзандларига Худо Исроил халқининг жазоланишини эслатиб турадиган исмларни қўяди. Худо Хўшеяга: “Бевафо хотинингни севгин”, деб амр қилади, чунки бу севги Худонинг бевафо Исроил халқига бўлган абадий севгисининг тимсоли бўлади.

Китобнинг қолган қисмида Худонинг Исроил халқи билан тузган аҳдига алоҳида эътибор берилади. Бу аҳдга кўра, Худо ва Исроил халқи бир–бирига садоқатли, вафодор бўлишлари керак бўлади. Худо доимо аҳд шартларини бажариб келади, Исроил халқи эса ҳар сафар аҳд шартларини бузади. Улар Худонинг ёрдамига ишонмай, лашкарининг кучи ва бошқа юртларнинг ёрдами билан ўзларини ҳимоя қилмоқчи бўладилар. Бундан ташқари, бутларга сиғиниб, яхши ҳосил йиғиб оламиз, мол–қўйларимиз кўпаяди, деб умидини бутларга боғлайдилар.

Исроил ва Яҳудо халқлари Худодан юз ўгиришади, Худо улар билан бу борада даъволашади, уларни аҳдни бузганликда айблайди. Улар қилган гуноҳлари учун жазосини тортишади.

Уларнинг гуноҳларига қарамай, Худо Ўз халқини севади. Ниҳоят, Худонинг беқиёс севгиси уларнинг қалбларини забт этади, Худо ва халқ орасидаги муносабат тикланади. Хуллас, Хўшея китоби Худонинг меҳрибонлиги ва содиқ севгиси ҳақидаги китоб, деб айтсак муболаға бўлмайди. Зеро, Худо бу чексиз севгиси туфайли Ўзининг бевафо халқидан юз ўгира олмайди.

1–БОБ

[1] Яҳудо юртида* шоҳлар Уззиё, Йўтом, Охоз ва Ҳизқиё ҳукмронлик қилган даврларда* Исроил тахтида Ёҳўш* ўғли Ёрубом* ўтирган эди. Ўша вақт мобайнида Бэри ўғли Хўшеяга Эгамиз Ўз сўзларини аён қилди.

Хўшеянинг хотини ва фарзандлари

[2] Эгамиз дастлаб Хўшея орқали Исроил халқига гапиришни бошлаганда, унга шундай деган эди: “Бориб фоҳиша аёлга уйлан, у сенга бегона эркаклардан орттирган фарзандлар туғиб беради. Зотан, Менинг халқим ҳам фоҳишага ўхшайди*. Улар Мен, Эгангизга бевафолик қилиб, бегона худоларга сажда қилишмоқда.” [3] Хўшея Диблайим қизи Гўмерага уйланди. Гўмера ҳомиладор бўлиб, Хўшеяга ўғил туғиб берди.

[4] Эгамиз Хўшеяга деди: “Ўғлингнинг исмини Йизрил қўй. Чунки Ёҳу қандай

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

қилиб Йизрилда қон тўккан бўлса*, тез орада Ёхунинг хонадонини ҳам ўша аҳволга солиб, йўқ қиламан. Исроил шоҳлиги барҳам топади. 5 Ўша даврда Мен Йизрил водийсида Исроилнинг камону ўқларини синдираман*.”

6 Гўмера яна ҳомиладор бўлиб, қиз туғди. Эгамиз Хўшеяга деди: “Қизингнинг исмини Лўруҳамо, яъни «Раҳмдан бебаҳра» деб қўй. Чунки бундан буён Мен Исроил халқига раҳм қилмайман, уларни кечирмайман. 7 Яҳудо халқига эса раҳм қиламан, уларга нажот бераман. Қиличу камон, жанг–жадал, отлару чавандозлар билан эмас, Ўз қудратим билан уларни қутқараман. Зотан, Мен уларнинг Эгаси Худоман!”

8 Гўмера қизини кўкракдан чиқаргач, яна ҳомиладор бўлиб, ўғил туғди.
9 Эгамиз Хўшеяга деди: “Ўғлингнинг исмини Лўёми, яъни «Халқим эмас» деб қўй. Чунки Исроил халқи энди Менинг халқим эмас, Мен эса уларнинг Худоси эмасман.
10 Аммо шундай вақтлар келадики, Исроил халқи денгиздаги қум каби бўлади, уларни на санаб, на ўлчаб бўлади. Уларга: «Халқим эмас», деб айтилган бўлса, келажакда улар: «Барҳаёт Худонинг фарзандлари» деб аталади. 11 Яҳудо ва Исроил халқлари қайта бирлашадилар. Улар ўзларига бир йўлбошчи танлайдилар. Ўз юртида туп қўйиб, палак отадилар. Ҳа, Йизрилнинг* — «Худо эккан» халқнинг куни улуғ бир кун бўлади.”

2–БОБ

1 Эгамиз шундай дейди: “Ака–укаларингизни — Ёми, яъни «Менинг халқим», опа–сингилларингизни — Руҳамо*, яъни «Раҳмдан баҳраманд» деб чақиринглар.

Исроил халқи бевафо Гўмера тимсолида

2 Эй фарзандларим,
Онангиз билан даъволашинг*,
Айбини юзига солинг.
У энди хотин эмас Менга,
Мен ҳам эр эмасдирман унга.
Айтинг, юзидаги упа–элигини артиб ташласин,
Эгнидаги уятсиз кийимини ечиб ташласин.
Бўлди, фоҳишалигини бас қилсин.
3 Акс ҳолда, унинг кийимини Ўзим ечиб ташлайман,
Онасининг қорнидан тушгандай қип–яланғоч қиламан.
Ерини бепушт саҳрога айлантираман,
Унинг юртини қақраган чўл қиламан.
Ташналикдан уни ўлдираман.
4 Болаларига ҳам раҳм қилмайман,
Ўйнашларидан орттирган ҳароми улар.
5 Ҳа, уларнинг онаси фоҳишалик қилган,
Уларни туққан аёл шарму ҳаёни йўқотган.
У деди: «Ўйнашларим* олдига кетдим.
Нону сувимни, жуну зиғир матоларимни,
Зайтун мойию шаробимни,
Менга ўшалар берган.»
6 Шунинг учун йўлини тиканаклар билан тўсаман,
Ўтолмайдиган қилиб девор қураман.
7 У ўйнашларининг кетидан қувиб етолмайди,
Уларни излаб, тополмайди.

Кейин эса айтади:
«Биринчи эримнинг олдига қайтиб борай,
Ахир, ўшандаги ҳолим ҳозиргидан тузукроқ эди.»
8 Буғдойни, шаробу зайтун мойини,
Унга Мен берганимни у билмайди.
Баалга* назр қилган кумушу олтинни
Унга Мен совға қилганимни англамайди.
9 Шунинг учун ҳосил пайтида буғдойимни тортиб оламан,
Йиғим–терим мавсумида шаробимни олиб қўяман.
Баданини ёпиб турган жуну зиғир матоларимни қайтариб оламан.
10 Мана энди уни яланғоч қиламан,
Ўйнашларининг олдига чиқариб қўяман,
Қўлимдан уни ҳеч ким халос қила олмайди.
11 Мен унинг базмларига чек қўяман.
Байрамларию янги ой шодиёналарига,
Шаббатлари ва барча тайинланган байрамларига барҳам бераман*.
12 «Ўйнашларимнинг берган тўлови»*, деб ўйлаган
Узумзору анжир боғларини бузиб ташлайман,
Ҳаммасини тўқайзор қиламан.
Ёввойи ҳайвонлар боғларини йўқ қилади.
13 У байрамларда Баалга атаб тутатқилар тутатгани учун,
Узугу тақинчоқлар билан безаниб,
Ўйнашларининг кетидан юргани учун,
Мени эса тамом эсидан чиқариб юборгани учун,
Мен уни жазолайман!”
Эгамизнинг каломи шудир.

14 Эгамиз шундай дейди:
“Кўп ўтмай Мен унинг кўнглини овлайман,
Уни саҳрога олиб бориб, ширин сўзлар айтаман.
15 Ўша ерда узумзорларини қайтариб бераман,
Охор* сойлигини умид эшиги қиламан.
Ўша ерда у Менга эргашади,
Ёшлигида*, Мисрдан чиққан чоғида эргашгандай ортимдан юради.”

Эгамизнинг Ўз халқига бўлган севгиси

16 Эгамиз шундай демоқда: “Эй Исроил халқи, ўша куни сен Мени «Эрим» деб чақирасан, ҳеч қачон «Хўжайиним» демайсан*. 17 Баалнинг номини қайта тилингга олмайдиган қиламан. 18 Ўша куни ёввойи ҳайвонлар, осмондаги қушлар ва ерда судралувчи махлуқлар билан аҳд тузаман, улар сенга зарар етказмайди. Юртдаги барча камону қиличларни, ҳамма жанг қуролларини йўқ қиламан. Сен тинч, бехатар яшайсан. 19 Мен сени Ўзимга абадий никоҳлаб оламан. Сенга нисбатан адолатли ва одил бўламан. Сени доим севаман, меҳр–шафқат кўрсатаман. 20 Сенга вафо қиламан, сен Мени Эганг деб биласан.”

21 Эгамиз демоқда:
“Ўша куни Мен халқимнинг илтижоларига жавоб бераман,
Мен осмонга амр қиламан,
Осмон ерга ёмғир ёғдиради.
22 Ер буғдой, узум, зайтун етиштиради,

Улар эса ҳаёт бағишлайди Йизрилга* —
«Худо эккан» деб аталган Менинг халқимга.
23 Ҳа, Мен Йизрилни Ўзим учун бу юртга ўтқазаман.
Лўруҳамога, яъни «Раҳмдан бебаҳра» деганга раҳм қиламан,
Лўёмини, яъни «Халқим эмас» деганни «Ўз халқим» деб атайман*.
У эса «Худойим» деб чақирар Мени.”

3–БОБ

Хўшея бевафо хотинини қутқариб, уйига олиб келади

1 Эгамиз менга деди: “Қани бор, Хўшея! Ўйнаши бор ўша суюқоёқ хотинингга* бошқатдан кўнгил қўй. Мен, Эгангиз, Исроил халқини қандай севсам, сен ҳам хотинингни шундай севгин. Зотан, халқимнинг ҳам кўнгли бошқа худоларга чопади, ҳовуч–ҳовуч майизни* уларга назр қилишни халқим яхши кўради.”
2 Шундай қилиб, мен ўн беш бўлак кумуш* ва ўн беш тоғора арпага* ўз хотинимни сотиб олдим*. 3 Унга дедим: “Сен узоқ вақт давомида меникида яшайсан. Фоҳишалик қилмайсан. Ўша вақт мобайнида бирорта эркакка яқинлашмайсан, мен ҳам сенга яқинлашмайман.” 4 Шу сингари, Исроил халқи ҳам узоқ вақт давомида* шоҳу шаҳзодасиз, қурбонликлару бутсимон тошларсиз, эфод* ва бутларсиз яшайди. 5 Бундан кейин улар қайтадан Эгаси Худога ва Довуд наслидан бўлган шоҳга* юз буришади. Келажакда Эгамизга қўрқув билан бўйин эгишади. Худонинг баракасидан баҳраманд бўлишади.

4–БОБ

Исроил халқини Эгамиз айблайди

1 Эгамизнинг даъвоси бор бу юрт аҳолисига,
Эй Исроил халқи, қулоқ тут Эгамизнинг сўзига:
“Бу юрт вафою садоқатни билмайди,
Улар Мен, Худони тан олмайди.
2 Қачон қараманг лаънат айтишади,
Алдашади, одам ўлдиришади,
Ўғрилик қилиб, фаҳш ишларга берилишади.
Ҳамма ёқда зўравонлик, қотилликлар қилишади.
3 Мана шунинг учун юрт хазон бўлади,
У ерда яшовчи халқ ҳалок бўлади.
Нобуд бўлади ёввойи ҳайвонлар,
Кўкдаги қушлару ҳатто денгиздаги балиқлар.

Эгамиз руҳонийларни айблайди

4 Бирортангиз халқни айбламанг!
Уларга таъна қилманг!
Менинг даъвоим сизларга қаршидир,
Эй руҳонийлар!*
5 Сизлар кечаю кундуз қоқиласизлар,
Ҳатто пайғамбарлар ҳам сизлар билан бирга қоқилади.
Сизларни деб Мен халқингизни нобуд қиламан!
6 Ана, халқим Мени билмагани учун нобуд бўлмоқда.
Бу сизнинг айбингиз, эй руҳонийлар!
Ахир, сизлар воз кечдинглар Мени билишдан,

Энди Мен ҳам воз кечаман сиздан.
Менинг руҳонийларим бўлмайсизлар!
Сизлар Худойингизнинг қонунларини унутдингизлар,
Шунинг учун Мен ҳам фарзандларингизни унутаман.
7 Эй руҳонийлар, кўпайгани сари сизнинг сонингиз,
Менга қарши кўпроқ гуноҳ қилдингиз.
Энди улуғворлигингизни шармандаликка алмаштираман.
8 Ахир, сизлар халқимнинг гуноҳ қурбонликлари* билан
Қорнингизни тўйғиздингиз,
Халқимнинг қабиҳликларига ташнадирсиз.
9 Мана, Мен халқимни ҳам,
Сизни ҳам бирдай жазолайман.
Тутган йўлларингиз,
Қилган қилмишларингизга яраша қайтараман.
10 Сизлар ейсизлар, аммо қорнингиз тўймайди,
Зино қиласизлар, аммо сонингиз кўпаймайди.
Сизлар Мен, Эгангизга бўйсунмай қўйгансиз.

Эгамиз бутпарастликни ҳукм қилади

11 Фаҳш, шаробнинг эски ва янгиси
Халқимни эс–ҳушидан айирди.
12 Улар ёғоч бутдан ваҳий сўрашади.
Таёқдан панд–насиҳат олишади*.
Шаҳвоний ҳирс уларни йўлдан урди,
Улар Мен, Худосига бевафо бўлдилар.
13 Қурбонликлар қилишаётир тоғ чўққиларида,
Тутатқилар тутатишаётир қирларда,
Эман, чинор ва қайрағочларнинг оромбахш сояларида.

Эй халқим, натижада қизларинг фоҳиша бўлди,
Келинларинг зинога ботди.
14 Аммо Мен фоҳиша қизларингни жазоламайман,
Зинокор келинларингнинг адабини бермайман.
Ахир, эркакларнинг ўзи ғарлар олдига бормоқда,
Саждагоҳ фоҳишалари* билан улар қурбонликлар келтирмоқда.
Айтилган–ку, эс–ҳушидан айрилган халқ нобуд бўлади, дея.

15 Исроил халқи Менга бевафолик қилса ҳам,
Бу жиноятга Яҳудо халқи қўл урмасин.
Улар сажда қилгани Гилгалга* бормасин,
Байт–Обунга* ҳам оёқ босмасин.
«Худо шоҳид», дея қасам ичишмасин.
16 Ҳа, эшакдай ўжардир Исроил халқи,
Кўп ўтмай Мен, Эгангиз, уларни кенг далага ҳайдаб юбораман,
Улар яйловдаги ёлғиз қўзига ўхшаб қолишади*.
17 Эфрайим* халқи кўнгил боғлади бутларга,
Билганларини қилишсин, қўйинг уларни ўз ҳолига!
18 Айш–ишратдан кейин улар фаҳшга берилишар.
Уларнинг йўлбошчилари беҳаёликни яхши кўрар.
19 Қуюн уларни супуриб кетади.

Бутларга қилган қурбонликлари туфайли шарманда бўлишади.”

5–БОБ

[1] Эгамиз шундай дейди:
“Эй руҳонийлар, эшитинг буни!
Диққат қилгин, Исроил халқи!
Қулоқ солгин, шоҳ хонадони!
Сизнинг устингиздан ҳукм кетяпти.
Сизлар Миспахда одамлар учун тузоқ бўлдингиз,
Товур тоғида* ёйилган тўр бўлдингиз.
[2] Қабиҳ ишларга ботиб кетдингиз!
Мен ҳаммангизнинг адабингизни бераман.
[3] Эй Эфрайим*, жуда яхши биламан сени,
Исроил, Мендан яшира олмассан ўз қилмишингни.
Сен, Эфрайим, Худога бевафо бўлдинг,
Эй Исроил, ўзингни ҳаром қилдинг.
[4] Мен Худойингман,
Аммо қилмишларинг Менга қайтиб келишингга йўл қўймас.
Мен, ўз Эгангни сен билмайсан,
Чунки қалбинг шаҳватга тўлган*.”

[5] Исроилнинг мағрурлиги ўзига қарши гувоҳлик беряпти,
У* жиноятлари туфайли қулайди.
Яҳудо ҳам у билан бирга йиқилади.
[6] Исроил Эгамизнинг илтифотини излайди,
Қўй–молларини қурбонлик қилади,
Аммо Эгамизни топа олмайди,
Чунки Эгамиз уни тарк этган.
[7] У Эгамизга хиёнат қилди*,
Бегоналардан никоҳсиз болалар туғди.
Кўп ўтмай у мулки билан бирга хароб бўлади.

Исроил билан Яҳудо орасидаги уруш

[8] Эгамиз шундай дейди:
“Бурғу чалинг Гивода!
Карнай чалинг Рамада!*
Байт–Обунда* бонг уринг!
Эй Бенямин, ортингдан душман келяпти!
[9] Жазо куни Эфрайим хароб бўлади.
Исроил қабилаларига эълон қилган бу сўзларим
Албатта рўёбга чиқади.
[10] Яҳудо шаҳзодалари чегарани бузган* фирибгарларга ўхшайди,
Мен уларнинг устига Ўз қаҳримни жаладай ёғдираман.
[11] Ахир, Эфрайим бутларга эргашишни афзал кўрди,
Энди у эзилиб, ҳукмга бардош бера олмайди.
[12] Мен Эфрайимни куядай емираман,
Яҳудо халқини қуртдай кемираман.
[13] Эфрайим ўз бетоблигини тушунгач,
Яҳудо ўз яраларини кўргач,

Эфрайим Оссурияга* борди,
Буюк шоҳни* ёрдамга чақирди.
Аммо шоҳ уларни даволай олмайди,
Яраларига шифо бера олмайди.
14 Мен Эфрайимга шердай ҳужум қиламан,
Яҳудо халқига ёш арслондай ташланаман.
Уларни Ўзим тилка–пора қиламан,
Судраб, Ўзим билан олиб кетаман.
Уларни ҳеч ким халос эта олмас.
15 Улар ўз айбини бўйнига олгунча,
Чин дилдан Менга интилгунча,
Мен Ўз маконимга қайтиб кетаман.
Балки қайғули дамларида улар Менга қайтишар.”

6–БОБ

Одамларнинг сохта тавбаси

1 Бу халқ шундай дейди:
“Келинглар, Эгамизга қайтайлик!
У бизни тилка–пора қилди,
Шифони ҳам Ўзи беради.
Бизни ярадор қилди,
Яраларимизни Ўзи боғлайди.
2 Унинг ҳузурида яшай олишимиз учун,
Икки кунда бизни ҳаётга қайтаради,
Учинчи куни оёғимизга турғизади.
3 Келинглар, Эгамизни билишга интилайлик.
Тонг отиши муқаррар бўлгандай,
У албатта бизга зоҳир бўлади,
Куз ва баҳорда ёмғир ёғиши табиий бўлгандай,
У албатта олдимизга келади.”

Исроилнинг сохта садоқати ва оладиган жазоси

4 Эгамиз шундай дейди:
“Сени нима қилай, эй Эфрайим?!*
Сени нима қилай, эй Яҳудо?!
Сенинг севгинг тонгдаги тумандай тез ғойиб бўлар,
Саҳардаги шудринг каби буғланиб кетар.
5 Шунинг учун сўзларим билан сени ўлгудай саваладим,
Пайғамбарларим орқали сени чопиб ташладим.
Чиқарган ҳукмим чақмоқ каби сени уради.
6 Зеро, Мен қурбонликни эмас,
Раҳм–шафқатни истайман,
Куйдирилган қурбонликларни эмас,
Мени таниб–билишингни афзал кўраман.

7 Халқим Одам Атодай* аҳдни бузди,
Эвоҳ, Менга бевафолик қилди.
8 Гилад — ёвузларнинг шаҳридир,
Кўчалари қон доғларига тўладир.

9 Руҳонийлар қароқчиларга ўхшайди,
Улар пистирмада ётиб, қурбонини пойлашади.
Шакам шаҳри* йўлида қотилликлар қилишади,
Ҳа, улар мудҳиш жиноятларга қўл урди.
10 Мен Исроилда даҳшатли ҳодисани кўрдим:
Эфрайим бевафолик қилди!
Исроил ўзини булғади!

11 Эй Яҳудо, сен учун ҳам ўрим пайти белгиланди.

Мен халқимни яна фаровонликка эриштирмоқчи бўлганимда,

7–БОБ

1 Исроилни шифоламоқчи бўлиб турганимда,
Унинг* бузуқлиги ошкор бўлди,
Самариянинг жиноятлари очилди.
Улар маккорона иш тутишади,
Ўғрилар хонадонларни ўмаришади,
Қароқчилар йўлтўсарлик қилишади.
2 Қилган барча қабиҳликлари ёдимда,
Бироқ улар буни хаёлига келтирмайди.
Мана, улар гуноҳларга ботишди,
Кўз ўнгимда бу гуноҳлар гавдаланади.

Саройдаги фитналар

3 Одамлар шоҳни ёвузликлари билан хушнуд қилар,
Улар бекларни ҳийлалари билан шод этар.
4 Уларнинг ҳаммаси садоқатсиз ва маккор,
Ловуллаган тандирга ўхшайди.
Новвой хамирини қориб бўлгунча,
Хамир ошиб тайёр бўлгунча,
Ҳатто олов ковлашга ҳам эҳтиёж йўқ.
5 Шоҳ зиёфат берган куни
Беклар шоҳга майдан ичиришди,
Шоҳ мазахчилар билан ҳамтовоқ бўлди.
6 Уларнинг юраклари тандирга ўхшайди,
Шоҳга қарши улар фитна уюштиради,
Кечаси билан ғазаби чўғдай тутаб ётади,
Саҳарга келиб, оловдай ловуллаб ёнади.
7 Тандирдай қизишган бу ҳамма одамлар,
Ҳукмдорларини ямламай ютяптилар.
Натижада шоҳлари бирин–кетин нобуд бўляпти*,
Аммо бирортаси ҳам Менга илтижо қилмаяпти.”

Исроил ва ўзга халқлар

8 Эфрайим бошқа халқларга қоришган.
У хом пишган нонга ўхшаб қолган.
9 Ўзга халқлар унинг кучини кесди,
У эса буни англамайди.
Сочлари оқариб бўлди,

У эса буни пайқамайди.
10 Исроилнинг мағрурлиги
Ўзига қарши гувоҳлик беради.
Бошига тушган кулфатларга қарамай
Исроил ўз Эгаси Худога қайтмайди,
Юзини Унга бурмайди.

11 Эгамиз шундай дейди:
“Эфрайим кабутарга ўхшар,
Ҳам бефаросат, ҳам овсар.
У Мисрдан ёрдам сўрайди,
Пир этиб Оссурияга учади.
12 Учганда, Мен унга тўр ташлайман,
Овланган қушдай ерга тушираман.
Тўдалашганини эшитсам, жазосини бераман.
13 Халқимнинг ҳолига вой!
Ахир, улар Мендан узоқлашди!
Энди нобуд бўлишади!
Ахир, Менга қарши бош кўтаришди!
Уларни халос қилардим–у,
Аммо Менга ёлғон гапиришди.

14 Улар Менга чин дилдан илтижо қилмайди,
Аммо тўшакларида ётиб, фарёд чекишади.
Бутпарастлардай баданларини тилиб,
Буғдой ва шароб талаб қилишади*.
Менга қарши бош кўтаришади.
15 Мен Ўзим уларни боқдим, кучайтирдим,
Улар эса Менга қарши фитна қилади.
16 Ҳамма ёқдан мадад излайди,
Мен, Худойи Таолога эса юз бурмайди.
Улар яроқсиз бир камонга ўхшайди,
Уларга асло ишониб бўлмайди.
Беклари ҳақоратли сўзлар айтганлари учун
Қиличдан ҳалок бўлади.
Бу қилмишлари учун
Мисрда кулги бўлишади.”

8–БОБ

Бутпараст Исроил халқи ҳукм қилинади

1 Эгамиз шундай дейди:
“Қани бўлинг, бонг уринг!
Душман* бургутдай хонадонимга ҳужум қилмоқда.
Ахир, халқим аҳдимни барбод қилди,
Улар қонунимни бузди.
2 Исроил халқи Менга фарёд қилади:
«Эй Худойим, Сени тан оламиз», деб айтади.
3 Ўзлари эса эзгуликни рад этишди,
Душманлар уларни таъқиб қилади.

4 Улар розилигимни сўрамай шоҳлар танлашди,
Ижозатимни олмай, мулозимлар тайинлашди.
Олтину кумушларидан бутлар ясашди,
Шу орқали бошларига ҳалокат келтиришди.
5 Самарияликларнинг олтин бузоғини* Мен рад этдим!
Уларга қарши аланга олгандир Менинг ғазабим.
Қачон улар ўзларини поклаб олишади?
6 Бутни Исроиллик ҳунарманд ясаган–ку,
Бут Худо эмас!
Самария шаҳрининг бузоғи парчаланиб ташланади.

7 Шамолни эккан одам бўронни ўриб олар.
Буғдой бошоқсиз бўлса, халқ нонга зор бўлар.
Буғдойингиз бошоқ туккан тақдирда ҳам,
Уни бегоналар еб адо қилар.
8 Бошқа халқлар орасида Исроил адо бўлди,
Қадрсиз сопол идишга у ўхшаб қолди.
9 Ёлғиз дайдиган қулондай у,
Оссурияга ёрдам сўраб борди.
Эфрайим* ўзини ўйнашларига сотди.
10 У бошқа халқларга сотилган бўлса ҳам,
Мен уни йиғиб оламан.
Оссурия шоҳининг* зулми остида
У тезда хазон бўлади.

11 Эфрайим гуноҳларини ювмоқчи бўлди,
Қурбонгоҳлар қуриб ташлади.
Қурбонгоҳлар эса гуноҳ макони бўлиб қолди.
12 Мен бу халққа кўплаб қонунлар ёздим,
Бироқ қонунларимни улар ёт деб билади.
13 Улар Мен, Эгасига аъло қурбонликлар келтиришса ҳам,
Қурбонлик гўштидан тановул қилишса ҳам,
Мен улардан мамнун бўлмайман.
Мен жиноятларини эсга оламан,
Гуноҳлари учун жазосини бераман.
Улар Мисрга қайтиб кетади*.
14 Исроил ўз Яратувчисини унутиб, саройлар қурди.
Яҳудо кўплаб шаҳарларни мустаҳкам қилди.
Мен эса шаҳарларига ўт қўяман,
Қалъаларини оловга ем қиламан.”

9–БОБ

Исроил халқи жазоланади

1 Эй Исроил, бас қил шодлигингни!
Бошқа халқлардай нишонладинг сен байрамингни!
Сен Худога бевафолик қилдинг.
Баалга фоҳишадай* сажда этдинг,
Олган ҳосилингни Баалдан тўлов деб билдинг.

2 Энди хирмону шароб мешларинг сенга етарлича озуқа бермас,
Янги шаробинг чанқоғингни босмас.

3 Сен Эгамизнинг юртида қолмайсан,
Мисрга қайтиб кетасан*.
Ҳа, Оссурияда ҳаром овқат ейсан.
4 Эгамизга шароб назр қила олмайсан,
Келтирган қурбонликларинг Унга маъқул бўлмайди.
Бундай қурбонликлар азадорнинг нонига ўхшайди*,
Ундан еганларнинг ҳаммаси булғанади.
Зеро, келтирган қурбонликларинг қорин учун, холос,
Бундай қурбонликлар Эгамизнинг уйига киритилмайди,
Эгамизга улар назр қилинмайди.
5 Эй Исроил, энди сен тайинланган байрамларни ўтказа олмайсан!
Эгамизнинг муқаддас йиғинларини нишонлай олмайсан!
6 Сен офатдан қочиб қутулсанг ҳам,
Миср* сенга чангалини солади,
Пойтахти Нуф* сенга қабр бўлади.
Кумуш хазиналаринг янтоққа насиб бўлади,
Хароба уйларингни тиканак ўт босади.
7 Эй Исроил, билиб қўйгин:
Ҳисоб–китоб вақти келди!
Жазо олиш пайти етди!
Кўплаб гуноҳларинг сабабли,
Чексиз адоватинг туфайли,
Сен пайғамбарларни аҳмоқ ҳисоблайсан,
Руҳдан илҳомланган одамларни телба деб биласан.
8 Эй Эфрайим*,
Худойим пайғамбарларни сенга посбон қилди.
Аммо сен уларни тузоққа туширдинг,
Худосининг юртида уларга адоват қилдинг.
9 Гивода разиллик қилган аждодларингга* ўхшаб қолдинг,
Улардай ярамас ишларга берилиб кетдинг.
Аммо Худо жиноятингни эсга олади,
Гуноҳингга яраша жазоингни беради.

Исроилнинг гуноҳи ва унинг оқибати

10 Эгамиз шундай дейди:
“Мен Исроилни илк бор топганимда,
Саҳрода узум солган токни топгандай бўлдим.
Ҳа, ота–боболарини биринчи кўрганимда,
Анжирнинг чиллаки меваларини кўргандай бўлдим.
Аммо улар Пиёр тоғига келганда*,
Ўзларини шарманда Баалга бағишладилар.
Кўнгил қўйган ўша бутдай жирканч бўлиб қолдилар.
11 Эфрайимнинг шуҳрати қушдай учиб кетади.
Уларда на фарзанд туғилади,
На аёллари ҳомиладор бўлади,
На пушти камаридан бола бино бўлади!
12 Фарзанд ўстириш насиб қилган тақдирда ҳам,

Биронтасини қолдирмай йўқ қиламан.
Ҳолига вой, уларни тарк этаман!
13 Мен Эфрайимни кўрганимда,
У Тир шаҳрига ўхшарди,
Гўзал ерда жойлашганди.
Аммо энди Эфрайим ўз болаларини
Қотил олдига олиб чиқади.”

14 Эй Эгам, бу халқингга Сендан нима тилай?!
Аёлларини бепушт қилгин,
Эмиза олмайдиган қилгин.

15 Эгамиз шундай дейди:
“Уларнинг ҳар бир қабиҳлиги Гилгалдан* бошланган,
Ўша ерда нафратлана бошладим улардан.
Қабиҳ қилмишлари учун
Уларни юртимдан ҳайдаб чиқараман.
Энди уларга меҳр қўймайман.
Уларнинг ҳамма беклари Менга қарши бош кўтарган.
16 Эфрайим қулади,
Унинг илдизлари қуриди,
Мева беришга у ожиз бўлди.
Фарзанд кўрган тақдирда ҳам,
Авайлаган зурриётини ўлдираман.”

17 Исроил халқини Худойим рад этади,
Улар Худога итоат қилмади.
Халқлар орасида дарбадар бўлишади.

10–БОБ

Исроил гуноҳкорлиги учун сургун қилинади

1 Исроил гуркираган,
Ҳосилдор ток кабидир.
Аммо ҳосили кўпайгани сари,
У кўплаб қурбонгоҳлар қурди.
Юрти равнақ топгани сари,
Бутсимон тошларига зеб берди.
2 Садоқатсиз бу халқ энди таъзирини ейди.
Эгамиз қурбонгоҳларини вайрон қилади,
Бутсимон тошларини синдириб ташлайди.

3 Кўп ўтмай улар айтишади:
“Биз Эгамиздан қўрқмадик,
Шунинг учун шоҳимиздан айрилиб қолдик.
Аммо шоҳнинг қўлидан нима ҳам келарди?!”
4 Улар бемаъни гаплар гапирмоқда,
Сохта қасамлар ичиб, аҳдлар тузишмоқда.
Натижада эгатлардаги заҳарли ўтдай,
Даъволар униб чиқмоқда.

5 Самария аҳли* Байт–Обундаги*
Олтин бузоғидан* хавотир олади,
Унинг учун улар аза тутишади.
Бутидан хурсанд бўлган руҳонийлар ҳам
Бут сургун бўлганидан йиғлашади.
6 Бутнинг ўзи Оссурияга олиб кетилади,
Буюк шоҳга* тақдим қилинади.
Эфрайим* шарманда бўлади,
Умидини бутга боғлагани учун*
Исроил уятга қолади.

7 Самария шоҳи сувга ғарқ бўлган пайраҳадай
Ҳалок бўлади.
8 Исроилнинг гуноҳига сабаб бўлган
Обундаги* саждагоҳлар йўқ қилинади.
Қурбонгоҳларини янтоғу тикан босади.
Одамлар тоғларга: “Бизни босиб қолинглар!” дея бақиришади.
Қирларга: “Устимизга қуланглар!” деб ёлворишади.

Исроил устидан Эгамиз Ўз ҳукмини эълон қилади

9 Эгамиз шундай демоқда:
“Эй Исроил, сен Гивода гуноҳ қила бошладинг*,
Ўша ерда гуноҳдан чиқмай қолди сенинг бошинг.
Гиводаги жиноятчилар жазосини олгандай,
Сен ҳам жазодан қочиб қутула олмайсан.
10 Мен хоҳлаган пайтимда жазоингни бераман.
Сенга қарши халқларни бирлаштираман.
Икки баробар кўпайган жиноятларинг учун
Душманлар сенга кишан солади.

11 Эфрайим ўргатилган бузоққа ўхшарди,
Янчишни у хўп яхши кўрарди*.
Мана энди унинг гўзал бўйнига,
Мен бўйинтуруқ тақаман.
Энди унга омоч торттираман*.
Қани, Яҳудо шудгор қилсин!*
Эфрайим* ўзи учун мола боссин!
12 Эй Исроил, ўзингиз учун солиҳлик уруғини экинг,
Чексиз севгини ўриб олинг.
Ҳайдалмаган ерингизга ишлов беринг,
Вақт келди! Мен, Эгангизга интилинг!
Шунда Мен олдингизга бораман,
Ёмғир ёғдиргандай, сизга нажот бераман.

13 Сен ёвузликни экдинг,
Адолатсизликни ўриб олдинг,
Ёлғоннинг мевасидан единг.
Сен ўз кучингга таянганинг учун,
Сон–саноқсиз сипоҳларингга ишонганинг учун,
14 Жангу жадаллар сени четлаб ўтмайди.

Шоҳ Шалман Байт–Арбэлни жангда вайрон қилгандай*,
Хотинларни бола–чақалари билан тошга уриб ўлдиргандай,
Ҳамма шаҳарларинг вайрон бўлади.
15 Эй Байтил*, сен қабиҳликлар қилганинг учун,
Бу кунлар бошингга тушади.
Тонг отгач, эй Исроил, шоҳинг ўлдирилади.”

11–БОБ

Худонинг исёнкор халқига бўлган муҳаббати

1 Эгамиз шундай дейди:
“Мен Исроилни болалигида яхши кўрар эдим,
Ўз ўғлонимни Мисрдан чақириб олган эдим*.
2 Уни қанча кўп чақирсам,
Мендан* шунча кўп узоқлашарди.
Баалга қурбонликлар келтирарди,
Бутларга тутатқилар назр қиларди.

3 Эфрайимга* юришни Мен ўргатган эдим,
Уни қўлларимда кўтариб юрган эдим.
Аммо қилган ғамхўрлигимни у билмади.
4 Мен эса уни меҳр ила етаклагандим,
Муҳаббат ришталари ила олиб юрган эдим.
Бўйнидан бўйинтуруқни* олиб ташлагандим,
Мулойимлик билан уни боққандим.

5 Халқим тавба қилишдан бош тортди.
Шунинг учун Мен уларни энди
Мисрга жўнатиб жазолайман*,
Ҳа, золим Оссурияга тобе қиламан.
6 Шаҳарларида қилич ҳукм суради,
Дарвозаларининг тамбаларини йўқ қилади.
Ёвуз режалари туфайли халқим қиличдан ҳалок бўлади.
7 Қачон қараманг, улар Мендан юзини ўгиришади.
Пайғамбарларим халқни Менга қайтишга даъват қилса–да,
Халқ Мендан — Худойи Таолодан мадад тиламайди*.

8 Эй Эфрайим, қандай қилиб сендан воз кечай?!
Эй Исроил, қандай қилиб сени ташлаб кетай?!
Адмани йўқ қилганимдай, сени йўқ қила олармиканман?!
Завўйимга* қилганимни сенга қила олармиканман?!
Бундай қилишга юрагим бетламас асло!
Сенга бўлган меҳрим уйғонди.
9 Йўқ, сочмайман сенга қаҳр–ғазабимни,
Эй Эфрайим, қайта барбод қилмайман сени,
Зеро, Мен Худоман, инсон эмас,
Орангиздаги Муқаддас Худоман,
Олдингизга жаҳл билан бормайман.

10 Мен, Эгангиз, шердай ўкираман,

Ўшанда халқим ортимдан эргашади,
Овозимни эшитгач, фарзандларим ғарбдан шошиб келишади.
11 Улар қушлардай учиб келади Мисрдан,
Каптарлардай етиб келади Оссурия юртидан*.
Мен уларни уйларига элтиб қўяман.
— Эгамизнинг каломи шудир. —

Исроил ва Яҳудони Худо айблайди

12 Эфрайим атрофимни ёлғон билан ўраб ташлади,
Исроил хонадони Мени ҳийлага кўмиб ташлади.
Яҳудо халқи Менга қарши бош кўтарди,
Мен, Муқаддас Худога улар итоат қилмаяпти*.”

12–БОБ

1 Эфрайим* гармсел* боқиб юрар,
Кун бўйи шарқдан эсган шамол кетидан қувар.
Ёлғону зўравонликни у орттирар.
Оссурия билан сулҳ тузиб,
Зайтун мойини Мисрга жўнатар.
2 Яҳудога Эгамиз даъво қилади.
Ёқуб наслининг* таъзирини У беради,
Тутган йўлига яраша уни жазолайди.

3 Онасининг қорнидаёқ Ёқуб акаси билан талашган*,
Улғайгач эса Худо билан олишган*.
4 Ҳа, фаришта* билан олишиб, уни енгган эди,
Кейин йиғлаб, илтифот қилишини сўраганди.
Байтилда* Ёқуб Худони топганди,
Ўша ерда Худо билан суҳбат қурганди*.
5 Парвардигори Олам — Эгамиз Ўшадир,
Эгамиздир Унинг номи!

6 Эй Ёқуб насли, Худойингизга қайтинг.
Севги ва адолатга интилинг,
Сабр–тоқат ила Худодан умид қилинг.

7 Эгамиз шундай дейди:
“Халқим тарозидан урган савдогарга ўхшайди,
Фирибгарлик қилишни улар хўп яхши кўради.
8 «О, мен бойман,
— деб мақтанасан, эй Эфрайим. —
Мен ўзимга давлат орттирдим,
Боримни пешана терим билан топдим.
Ҳеч ким мени гуноҳда айблай олмас.»
9 Аммо Эгангиз Худо — Менман,
Сени Мисрдан олиб чиққанман.
Мен сенга саҳрода зоҳир бўлар эдим,
Ўша даврдагидай сени яна чодирларда яшаттираман*.

10 Мен пайғамбарларга гапиргандим,

Ўзим уларга кўп ваҳийлар бергандим,
Улар орқали сени, эй халқим, огоҳлантирган эдим.
11 Аммо Гиладдаги* ёвузлик тўхтамади,
Гилгалда* буқалар бутларга аталиб
Ҳамон қурбонлик қилинмоқда.
Шунинг учун Гилад аҳли албатта барҳам топади,
Гилгалдаги қурбонгоҳлар бузиб ташланади,
Улар шудгор қилинадиган далалардан
Улоқтириб ташланган тошлардай бўлиб қолади.”

12 Ёқуб Орам* юртига қочиб борди*,
Хотин олиш учун у* қулдай ишлади,
Қалин эвазига қўйлар боқди*.
13 Эгамиз вақти келиб пайғамбар* юборди,
Ёқуб наслини* Мисрдаги қулликдан олиб чиқди,
Ўша пайғамбари орқали уларни боқди.
14 Аммо Эфрайим Эгамизни қаттиқ ранжитди.
Тўккан қон учун Эфрайимни Раббий жазолайди,
Уни ҳақоратлагани учун адабини беради.

13–БОБ

Исроил устидан чиқарилган сўнгги ҳукм

1 Эгамиз шундай дейди:
“Илгари Эфрайим* гапирганда ҳаммани титроқ босарди,
Исроилда унинг мартабаси улуғ эди.
Аммо Эфрайим Баалга сажда қилиб, гуноҳ орттирди,
Шундай қилиб, ўзини ўлимга маҳкум этди.
2 Ҳозир ҳам халқим гуноҳ устига гуноҳ қилишар.
Ўзларига бутлар ясашар,
Кумушдан маҳорат билан санамлар ишлашар*,
Буларнинг барчаси бор–йўғи ҳунармандниng иши–ку!
Менинг халқимга шундай деб айтишяпти*:
«Бутларга қурбонликлар келтиринглар!
Олтин бузоқларни ўпинглар!*»
3 Шунинг учун улар тонгги тумандай бўлади,
Бирпасда ғойиб бўладиган шудрингга ўхшаб қолади.
Шамол хирмондан учирган тўпондай улар ғойиб бўлади,
Мўридан чиқадиган тутунга ўхшаб қолади.

4 Аммо Эгангиз Худо — Менман.
Эй Исроил, сени Мисрдан олиб чиққанман.
Мендан бошқа Худони сен билмайсан,
Мендан бошқа йўқдир нажоткоринг.
5 Мен саҳрода* сенга ғамхўрлик қилдим,
Сувсиз қақраган чўлда сени боқдим.
6 Серҳосил ўлкада қорнингни тўйғиздим*,
Аммо қорнинг тўйгач, манман бўлиб кетдинг,
Шу сабабдан сен Мени унутдинг.
7 Энди Мен йўлингни қоплондай пойлайман,

Сенга бир шердай ҳужум қиламан.
8 Болаларидан айрилган она айиқ каби ташланаман,
Сени тилка–пора қиламан.
Ўша жойдаёқ сени шердай ғажийман,
Йиртқичга ўхшаб сени қонга белайман.

9 Эй Исроил, ўз бошингга ўзинг бало орттирдинг,
Ахир, Менга — Ўз Мададкорингга қарши чиқдинг.
10 Шаҳарларингни қутқарадиган шоҳинг қани?!
«Бизга шоҳу ҳокимлар бер», деб сўраган бошлиқларинг қани?!
11 Мен жаҳл устида сенга шоҳларни бердим,
Ғазабга минганимда уларни олиб ташладим.

12 Эфрайимнинг жинояти ёзиб қўйилган,
Ҳа, унинг гуноҳи китобга битилган.
13 Исроилнинг яшашга имконияти бор эди,
Аммо у нодон болага ўхшади,
Онани тўлғоқ тутганда,
У қориндан чиқишни хоҳламади.

14 Мен бу халқни ўликлар диёридан қутқарармиканман?!
Уларни ўлимдан халос қилармиканман?!*
Эй ўлим, қирғин олиб келгин!
Эй ўликлар диёри*, ҳалокатли кучингни кўрсатгин!*
Энди Мен раҳм–шафқат қилмайман.”

15 Исроил қариндошлари орасида
Серпушт ва фаровон бўлса–да,
Эгамиз унинг устига шарқ шамолини юборади,
Саҳродан эсган гармселни* жўнатади.
Исроилнинг булоғини қуритади,
Унинг чашмасини қовжиратади.
Хазинасидаги қимматбаҳо зийнатларини тортиб олади.

14–БОБ

1 Самария аҳолиси* ўз Худосига қарши бош кўтарди,
Энди улар гуноҳининг жазосини тортади.
Улар қиличдан ҳалок бўлади,
Гўдакларини душманлар ерга уриб ўлдиради,
Ҳомиладор аёлларнинг қоринларини ёради.

Хўшея Исроил халқига хитоб қилади

2 Эй Исроил, Эганг Худога қайтгин!
Ахир, гуноҳ туфайли сен қуладинг.
3 Гапингни тайёрлаб, Эгамизга қайт.
Сен Унга шундай деб айт:
“Гуноҳларимиздан кечиб юборгин,
Ибодатимизни қабул қилгин.
Қурбонгоҳингда буқаларни қурбонлик қилгандай,
Биз Сенга мадҳиямизни назр қиламиз.

4 Оссурия бизга нажот бермайди,
Биз жанговар отларга минмаймиз.
Қўл билан ясалган бутларни
Энди биз «худоларимиз» деб атамаймиз.
Эй Эгамиз, биз — етимларга
Фақат Сен раҳм–шафқат қиласан.”

Исроилга Эгамиз янги ҳаёт ваъда қилади

5 Эгамиз шундай дейди:
“Мен халқимга шифо бериб,
Уларни бевафоликдан қайтараман,
Уларга қайта кўнгил қўяман,
Мен жаҳлдан тушдим.
6 Мен Исроил учун шудрингдай бўламан,
Шунда Исроил нилуфардай очилади,
Лубнон ўрмонидай томир отади.
7 Уларнинг новдалари ўсиб чиқади,
Зайтун дарахтидек кўркам бўлади,
Лубнон садридай муаттар ҳид таратади.
8 Уларнинг соясида халқлар яшайди.
Исроил мўл буғдой етиштиради,
Улар узумзордай кўп ҳосил беришади,
Лубнон шаробидай машҳур бўлишади.

9 Эй Эфрайим*, Мен бутларингга асло ўхшамайман!*
Сенинг ибодатларингга жавоб бераман,
Сенга ғамхўрлик қиламан.
Мен доим яшил сарв дарахти кабидирман*,
Олган мўл ҳосилингнинг манбаидирман.”

Хотима

10 Ким доно бўлса,
Бу ерда ёзилган сўзларни тушунади,
Ким фаҳм–фаросатли бўлса,
Буларнинг ҳаммасини англаб олади.
Эгамизнинг йўллари тўғридир.
Солиҳлар Унинг йўлларидан юради,
Исёнчилар эса қоқилиб тушади.

ИЗОҲЛАР

Исроил — мазкур китобда шимолий шоҳлик *Исроил* деган ном билан, жанубий шоҳлик эса *Яҳудо* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

1:1 *Яҳудо юрти* — мазкур китобда жанубий шоҳлик *Яҳудо* деган ном билан, шимолий шоҳлик эса *Исроил* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО ва ИСРОИЛ сўзларига қаранг.

1:1 *...Уззиё, Йўтом, Охоз ва Ҳизқиё ҳукмронлик қилган даврлар...* — милоддан олдинги 781-687 йиллар.

1:1 *Ёҳўш* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўш*.

1:1 *Ёрубом* — милоддан олдинги 783-743 йилларда ҳукмронлик қилган.

1:2 *...Менинг халқим ҳам фоҳишага ўхшайди* — Эски Аҳдда зино ёки фаҳш сўзлари кўпинча мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Эгамизга хиёнат қилишни ва бошқа худоларга сиғинишни билдиради. Хўшея билан хотинининг орасидаги муносабат Эгамиз билан Исроил халқи орасидаги муносабатнинг тимсоли бўлиб хизмат қилади.

1:4 *...Ёҳу қандай қилиб Йизрилда қон тўккан бўлса...* — лашкарбоши Ёҳу Исроилнинг янги шоҳи қилиб тайинлангандан кейин, Эгамизнинг амрига кўра, Исроил шоҳи Ёрамни ўлдирди. Сўнг у Ёрамнинг қабиҳ отаси Ахаб хонадонини қириб ташлади (4 Шоҳлар 9:1-10:31 га қаранг). Бу воқеалар Йизрил шаҳрида юз берган эди. Кейинчалик Ёҳу ҳам, унинг зурриётидан бўлган шоҳлар ҳам Худога бутун қалби билан итоат этмай, бутларга сажда қилдилар. Шунинг учун, мазкур оятда баён қилинишича, Худо уларни Ахаб хонадонининг аҳволига солмоқчи. Ҳақиқатан ҳам, Ёрубомнинг ўғли Закариё ўлдирилгандан кейин, Ёҳунинг сулоласи барҳам топди (4 Шоҳлар 15:8-12 га қаранг).

1:4-5 *Исроил шоҳлиги барҳам топади.* [5]*...Исроилнинг камону ўқларини синдираман* — милоддан олдинги 722 йилда Оссурия шоҳи Шалманасар Исроилга, яъни шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, пойтахти Самарияни забт этди. Сўнг Исроил халқининг аксарият қисмини Оссурияга сургун қилди (4 Шоҳлар 17:1-6 га қаранг). Шундай қилиб, шимолий шоҳлик таг–томири билан йўқ бўлиб кетди.

1:11 *Йизрил* — Исроил сўзига оҳангдош бўлган бу ном “Худо экади” деган маънони билдиради. Шу бобнинг 4–оятида бу исм ҳукм ҳақидаги хабарни ифодаласа (ўша оятнинг изоҳига қаранг), ушбу оятда умид ҳақидаги хабарни билдиради.

2:1 *Ёми...Руҳамо* — Худо Исроил халқини қайта тиклашини, уларга яна барака беришини билдирадиган исмлар. Ибронийча матнда шу китобнинг 1:6, 9–оятларида бу исмларга инкор маъносини ифодаловчи *лў* олд қўшимчаси қўшилган. Лўруҳамо ва Лўёми исмлари Худо Исроил халқининг бошига келтирадиган жазони билдиради.

2:2 *Эй фарзандларим, Онангиз билан даъволашинг...* — Хўшея ўз фарзандларини хотини Гўмерани қилган бевафоликлари учун айблашга чақиради. Бу ўринда Гўмера — Исроил халқининг, Хўшея эса Эгамизнинг тимсолидир. Исроил халқи Эгамизга қилган бевафоликлари учун Эгамиз улардан юз ўгирган эди (яна 1:2 изоҳига қаранг).

2:5 *Ўйнашларим* — Канъон халқларининг худолари назарда тутилган. Исроил халқи бу худоларга топинган ва улардан ёмғир, серҳосил далалар ва наслдор мол–қўйлар сўраган.

2:8 *Баал* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, эркак қиёфасида тасаввур қилинган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БААЛ сўзига қаранг.

2:11 *Мен унинг базмларига…барҳам бераман* — халқ асирликка олиб кетилгандан кейин ўзларининг юртида нишонланган байрамлар ва базмлардан уларда фақатгина хотиралар қолади.

2:12 *«Ўйнашларимнинг берган тўлови»* — Исроил халқи, бизга мўл ҳосилни Канъон халқларининг худолари берган, деб нотўғри ўйлаганлар.

2:15 *Охор* — ибронийчадаги маъноси *кулфат*. Ёшуа 7:24-26 га қаранг.

2:15 *Ёшлигида* — Эгамиз Исроил халқини Мисрдаги қулликдан олиб чиққан даврга ишора. Исроил халқи Эгамизга эргашиб, Синай саҳросига борган ва Эгамиз Синай тоғида улар билан аҳд тузган (Чиқиш 19:1-8 га қаранг).

2:16 *…ҳеч қачон «Хўжайиним» демайсан* — ибронийча матнда *…ҳеч қачон "баал"им демайсан*. "Баал" Канъон худосининг номи бўлиб, "хўжайин" деган маънони ифодалайди. Ибронийларда аёл киши эрига "эрим" ёки "хўжайиним" деб мурожаат қилган. Бу сўзлар кенг қўлланилган. Келажакда Исроил халқи вафодор аёлдай, ўзини бутунлай Худога бағишлайди. Улар Баалдан ёрдам сўрамайдилар, ҳатто унинг номини тилга ҳам олмайдилар.

2:22 *Йизрил* — 1:11 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

2:23 *…«Раҳмдан бебаҳра» деганга раҳм қиламан…«Халқим эмас» деганни «Ўз халқим» деб атайман* — шу бобнинг 1–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

3:1 *ўша суюқоёқ хотининг* — 1:2-3 га қаранг.

3:1 *ҳовуч–ҳовуч майиз* — қадимги пайтларда одамлар узумларни қуритгандан кейин, қоқиларни ҳовучларида қаттиқ сиқиб, думалоқ шакл берганлар. Шу тариқа қоқилар узоқ вақт сақланган ва кундалик истеъмол қилинадиган егулик бўлган. Буларни одамлар Канъон халқларининг худоларига назр қилардилар. Чунки халқ, ўша худоларга топинсак, улар бизга мўл ҳосил беради, деб ишонарди.

3:2 *ўн беш бўлак кумуш* — тахминан 170 граммга тўғри келади.

3:2 *ўн беш тоғора арпа* — ибронийча матнда *бир ҳўмр ва бир летек*, яъни *бир ярим ҳўмр*. Бу тахминан 330 литрга тўғри келади.

3:2 *…ўз хотинимни сотиб олдим* — чамаси, Гўмера чўри бўлиб қолган, Хўшея эса уни қайтиб сотиб олган. Ўша пайтда қулу чўрининг нархи 30 бўлак кумуш эди (Чиқиш 21:32 га қаранг). Хўшея нархнинг ярмини кумуш билан тўлаган. Бунга қўшиб берган 15 тоғора арпанинг қиймати ҳам 15 кумуш бўлакка тўғри келган бўлиши мумкин (4 Шоҳлар 7:1, 16 га қаранг).

3:4 *…Исроил халқи ҳам узоқ вақт давомида…* — Исроил халқининг келажакда сургун қилинишига ишора. Исроил халқи бир пайтнинг ўзида ҳам Канъон халқларининг худоларига, ҳам Эгамизга сажда қилгани учун, уларнинг шоҳлиги ва диний урф–одатлари барҳам топади.

3:4 *эфод* — одатда бу сўз олий руҳоний киядиган махсус кийимга нисбатан ишлатилган (Чиқиш 28:3-14 га қаранг). Эфодга кўкракпеч маҳкамланарди, кўкракпеч халтасида Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалар сақланарди.

Айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг иродасини билиш учун Урим ва Туммимдан фойдаланишарди (1 Шоҳлар 23:9-12 оятларга ва Чиқиш 28:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Аммо *эфод* сўзи одамлар сажда қилишда ёки фол очишда ишлатган буюмни билдириши ҳам мумкин (Ҳакамлар 8:27 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Чамаси, бу ўринда Хўшея *эфод* сўзининг иккинчи маъносини ишлатган.

3:5 *Довуд наслидан бўлган шоҳ* — бир кун келиб, шоҳ Довуднинг зурриёти Худонинг жамики халқи устидан ҳукмронлик қилади (Еремиё 30:9, Ҳизқиёл 34:24 га қаранг). Довуднинг ўғли Сулаймоннинг ўлимидан сўнг Исроилнинг ўнта қабиласи Довуд сулоласини рад этиб, ўз шоҳлигини барпо қилган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

4:4 *Менинг даъвоим сизларга қаршидир, Эй руҳонийлар!* — ёки *Сизнинг халқингиз руҳонийларни айбловчиларга ўхшайди*.

4:8 *гуноҳ қурбонликлари* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

4:12 *Таёқдан панд–насиҳат олишади* — баъзан таёқлар фол очиш учун ишлатилган (мисол учун, Ҳизқиёл 21:21 га қаранг).

4:14 *Саждагоҳ фоҳишалари* — ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар. Лекин Эгамиз Исроил халқига бу йўл билан сажда қилишни қатъиян ман этган (Қонунлар 23:17-18 га қаранг).

4:15 *Гилгал* — Исроил халқи Гилгалда бутларга топиниш учун саждагоҳ қурган эди (9:15, 12:11 га қаранг).

4:15 *Байт–Обун* — ибронийчадаги маъноси *қабиҳлик уйи*. Бу ўринда Хўшея киноя билан Байтилга ишора қилган. Байтил сўзининг маъноси *Худонинг уйи* демакдир (Ибтидо 28:10-19 га қаранг). Аммо Исроил халқи Байтилни бутпарастлик ўчоғига айлантиргани учун, муаллиф бу шаҳарни қабиҳлик уйи деб атамоқда (3 Шоҳлар 12:28-33, 4 Шоҳлар 10:29, Амос 7:13 га қаранг). Яна 10:5-8 га қаранг.

4:16 *...уларни кенг далага ҳайдаб юбораман, Улар яйловдаги ёлғиз қўзига ўхшаб қолишади* — Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолисининг Оссурияга асирликка олиб кетилишига ишора бўлса керак (1:4-5 нинг изоҳига қаранг). Яна 9:3, 11:5 га қаранг.

4:17 *Эфрайим* — Эфрайим қабиласи Исроилнинг шимолий қисмидаги энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Бу шоҳликнинг пойтахти Самария эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭФРАЙИМ сўзига қаранг.

5:1 *...Миспах...Товур тоғи...* — бу ўринда Миспах сўзи Иордан дарёсининг шарқ томонида бўлган тоғли Гилад ўлкасидаги шаҳарга ишора қилади (Ҳакамлар 11:29 га қаранг). Товур тоғи Иордан дарёсининг ғарб томонида бўлиб, Жалила кўлидан қарийб 20 километр жануби–ғарбда жойлашган. Иккала жой ҳам Исроил, яъни шимолий шоҳлик ҳудудидаги ўрмонли ерлар бўлиб, бу ерларда овчилар

тўрлар билан қушларни овлаган бўлишлари мумкин. Халқни бутларга сажда қилишга етаклаган йўлбошчилар қуш овлаган овчиларга ўхшатилган.

5:3 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

5:4 *...қалбинг шаҳватга тўлган* — Эски Аҳдда зино ёки фаҳш сўзлари кўпинча мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Эгамизга хиёнат қилишни ва бошқа худоларга сиғинишни билдиради. Ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар.

5:5 *У* — ибронийча матнда *Исроил ва Эфрайим*, 4:17 изоҳига қаранг.

5:7 *У Эгамизга хиёнат қилди...* — 1:2, 2:2-5 га қаранг.

5:8 *Бурғу чалинг Гивода...Рамада!* — душман ҳужум қилаётганда, халқни огоҳлантириш учун бурғу чалинарди. Гиво ва Рама шаҳарлари Бенямин қабиласи ҳудудида жойлашган эди.

5:8 *Байт–Обун* — 4:15 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

5:10 *...чегарани бузган...* — қадимги Исроилда бирортаси ўз ерини ажратиб олиш учун тошлардан чегара қилиб қўярди. Агар кимдир бу тошларни жойидан силжитса, қўшнисининг ота–бобосидан қолган ерни у ўғирлаётган ҳисобланарди ва бу оғир жиноят эди (Қонунлар 19:14, 27:17 га қаранг). Бу ўринда мазкур ибора мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Яҳудонинг йўлбошчилари ҳам Исроилнинг йўлбошчиларига ўхшаб ўз халқини бутларга сажда қилишга етаклаганига ишора қилади. Йўлбошчиларнинг бу қилмиши оқибатида, Яҳудо халқи ҳам Исроил сингари Худодан юз ўгирди. Шу бобнинг 4-5–оятларига ва 4:15, 6:4 га қаранг.

5:13 *Оссурия* — қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво шаҳри ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОССУРИЯ сўзига қаранг.

5:13 *Буюк шоҳ* — Оссурия шоҳи Тиғлатпиласар назарда тутилган бўлиши мумкин (4 Шоҳлар 15:19 га қаранг). Тиғлатпиласар милоддан олдинги 745-727 йилларда ҳукмронлик қилган.

6:4 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

6:7 *...Одам Атодай...* — ёки *...Адам шаҳрида...*, аммо бу шаҳар Муқаддас Китобда фақатгина бир марта айтиб ўтилган (Ёшуа 3:16 га қаранг). Одам Ато Адан боғида Худога итоатсизлик қилган эди (Ибтидо 2:15-17, 3:1-7 га қаранг).

6:9 *Шакам шаҳри* — Исроилда, яъни шимолий шоҳликда, Эбал ва Гаризим тоғлари орасида жойлашган эди. Ёшуа яшаган даврда Шакам шаҳри Исроил халқининг ўн икки қабиласи учун муҳим диний ва сиёсий марказ бўлган эди. Исроил халқи Канъон юртини босиб олгандан кейин Шакамда йиғилиб, Эгамизга содиқ бўлишга ва Унинг Мусо орқали берган қонунларига амал қилишга ваъда берган эди (Қонунлар 27:1-10, Ёшуа 8:30-35, 24:1, 24-25 га қаранг). Хўшея яшаган даврда ҳам Шакам шаҳри Эгамизга содиқ қолган одамлар учун муҳим диний марказ бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас.

7:1 *У* — ибронийча матнда *Эфрайим*, 4:17 изоҳига қаранг.

7:7 *...шоҳлари бирин–кетин нобуд бўляпти* — 4 Шоҳлар 15:8-10, 13-14, 23-25, 30 га қаранг.

7:14 *Бутпарастлардай баданларини тилиб, Буғдой ва шароб талаб қилишади* — баъзи иброний қўлёзмаларидан ва қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Улар дон ва шароб учун йиғиладилар*. Баъзан одамлар Баалдан барака сўраш ва унга содиқлигини кўрсатиш учун баданларини тилардилар (3 Шоҳлар 18:28 га қаранг).

8:1 *Душман* — Оссурия лашкари назарда тутилган.

8:5 *Самарияликларнинг олтин бузоғи* — Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолиси шоҳ Ерибом давридан бери бузоқ шаклидаги бутларга топинар эди. Бу бутни Ерибомнинг ўзи ясаттирган эди (3 Шоҳлар 12:26-33 га қаранг). Самария Исроилнинг пойтахти эди.

8:9 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

8:10 *Оссурия шоҳи* — ибронийча матнда *Буюк шоҳ*. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурия шоҳи Шалманасар Исроилга, яъни шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, пойтахти Самарияни забт этди. Сўнг Исроил халқининг аксарият қисмини Оссурияга сургун қилди (4 Шоҳлар 17:1-6 га қаранг). Шундай қилиб, шимолий шоҳлик таг–томири билан йўқ бўлиб кетди.

8:13 *Улар Мисрга қайтиб кетади* — бу ўринда Мисрга қайтиш мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Исроил халқининг Оссурияга сургун қилиниши назарда тутилган. Худо Ўз халқини Мисрдаги қулликдан қутқарган эди (2:15 га қаранг), энди эса Исроил халқи Оссурияликларнинг қўлига тушиб, яна зулм остида қолади. Яна 9:3, 11:5 га қаранг.

9:1 *...фоҳишадай...* — Эски Аҳдда зино ёки фаҳш сўзлари кўпинча мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Эгамизга хиёнат қилишни ва бошқа худоларга сиғинишни билдиради. Баалга хизмат қилиш эвазига мўл ҳосил олишга ишонган одамлар кўрсатган хизмати учун ҳақ оладиган фоҳишага қиёс қилинганлар.

9:3 *...Мисрга қайтиб кетасан* — 8:13 изоҳига қаранг.

9:4 *...азадорнинг нонига ўхшайди...* — мурдага теккан одам ушлаган нон ҳам, ўлик чиққан уйдаги нон ҳам ҳаром ҳисобланарди (Саҳрода 19:11-16, Қонунлар 26:14 га қаранг).

9:6 *Миср* — 8:13 изоҳига қаранг.

9:6 *Нуф* — Мемфис номи билан ҳам маълум. Мемфис шаҳри Миср шимолий ҳудудининг маркази бўлиб, Миср тарихида бирмунча вақт пойтахт ҳам бўлган эди.

9:8 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

9:9 *Гивода разиллик қилган аждодларинг* — бу ибора Ҳакамлар 19:11-20:48 да баён қилинган воқеага, яъни бир аёлнинг зўрланиши ва ўлдирилиши ҳамда шундан кейин бўлиб ўтган аянчли воқеаларга ишора қилади.

9:10 *...улар Пиёр тоғига келганда...* — Саҳрода 25:1-9 га қаранг.

9:15 *Гилгал* — Исроил халқи Гилгалда бутларга топиниш учун саждагоҳ қурган эдилар (4:15, 12:11 га қаранг).

10:5 *Самария аҳли* — 8:5 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

10:5 *Байт–Обун* — ибронийчадаги маъноси *қабиҳлик уйи*. Бу ўринда Хўшея киноя билан Байтилга ишора қилган. Байтил сўзининг маъноси *Худонинг уйи* демакдир (Ибтидо 28:10-19 га қаранг). Аммо Исроил халқи Байтилни бутпарастлик ўчоғига айлантиргани учун, муаллиф бу шаҳарни қабиҳлик уйи деб атамоқда (3 Шоҳлар

12:28-33, 4 Шоҳлар 10:29, Амос 7:13 га қаранг).

10:5 *Олтин бузоғи* — 8:5 изоҳига қаранг.

10:6 *Буюк шоҳ* — 8:10 изоҳига қаранг.

10:6 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

10:6 *...Умидини бутга боғлагани учун...* — ёки *...Ўзлари қулоқ солган маслаҳат туфайли....*

10:8 *Обун* — ибронийчадаги маъноси *қабиҳлик* бўлиб, Байт–Обун назарда тутилган. Шу бобнинг 5–оятига ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг

10:9 *...сен Гивода гуноҳ қила бошладинг...* — 9:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

10:11 *...Янчишни у хўп яхши кўрарди* — донни бошоқдан ажратиш жараёни янчиш дейилади. Қадимги Яқин Шарқда бу иш дон бошоқларини таёқ билан уриш, устидан тепкилаш ёки хўптир юргизиш орқали бажарилган (хўптир — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта). Хўптир тортаётган ҳайвонлар янчилаётган дондан ейишлари учун тўсқинлик қилинмаган (Қонунлар 25:4 га қаранг). Хўшея бу образ орқали Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолисининг лоқайдлигини, улар Худонинг баракаларидан семириб кетганини, ўзларининг ҳаёти Худога боғлиқ эканини унутиб, Унга сажда қилмай қўйганини тасвирлайди (13:6 га қаранг). Яна Қонунлар 32:15-18 га қаранг.

10:11 *Энди унга омоч торттираман* — омоч тортиш ғалла янчишдан кўра анча оғир иш эди. Бу ўринда мазкур образ Исроил халқи Худонинг баракаларидан маҳрум бўлишини ва Оссурияга сургун қилинишини ифодалайди.

10:11 *...Яҳудо шудгор қилсин* — Яҳудо, яъни жанубий шоҳлик ҳам Худо томонидан ҳукм қилинишига ишора. Милоддан олдинги 586 йилда Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг). Хўшея асосан Исроилга, яъни шимолий шоҳликка қарши башорат қилган, айни пайтда Яҳудо, яъни жанубий шоҳлик аҳолисига ҳам қарши башорат қилган (4:15, 5:5, 10, 14, 6:11, 8:14 га қаранг).

10:11 *Эфрайим* — ибронийча матнда *Ёқуб*. Эфрайимга, яъни шимолий шоҳликка ишора қилишнинг яна бир йўли (4:17 изоҳига қаранг).

10:14 *Шоҳ Шалман Байт–Арбэлни жангда вайрон қилгандай...* — бу воқеа ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Шалман Шалманасар исмининг қисқа шакли бўлиб, Оссурия шоҳларининг бир нечтаси Шалманасар исми билан танилган.

10:15 *Байтил* — ибронийчадаги маъноси *Худонинг уйи*. Исроил халқи Байтилни бутпарастлик ўчоғига айлантиргани учун, муаллиф кесатиб, Исроил халқини Байтил деб атаган (шу бобнинг 5–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг).

11:1 *...Ўз ўғлонимни Мисрдан чақириб олган эдим* — Чиқиш 4:22-23 га қаранг.

11:2 *...чақирсам, Мендан...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...чақирсалар, улардан...*. Ибронийча матнда ишлатилган учинчи шахс шакли Худонинг пайғамбарларини билдиради (мисол учун, 4 Шоҳлар 17:13-14, Еремиё 7:25-28 га қаранг). Мазкур таржима равон ўқилиши учун биринчи шахс тилидан баён қилинган.

11:3 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

11:4 *бўйинтуруқ* — Исроил халқининг Мисрдаги қуллигига ишора. Бу ўринда бўйинтуруқни олиб ташлаш Худо Ўз халқини зулмдан халос қилишини билдиради. 10:11 да бўйинтуруқ тақиш Худо Ўз халқини жазолашини, душманлар

уларга зулм ўтказишини англатади.

11:5 *...Мисрга жўнатиб жазолайман...* — 8:13 изоҳига қаранг.

11:7 *Пайғамбарларим халқни Менга қайтишга даъват қилса–да...мадад тиламайди* — ёки *Улар бошқа худога илтижо қиладилар, аммо ўша худо уларга ёрдам бермайди*.

11:8 *Адма...Завўйим...* — Садўм ва Ғамўра шаҳарлари билан бирга яксон қилинган шаҳарлар (Ибтидо 19:24-25, Қонунлар 29:23 га қаранг).

11:10-11 *...ғарбдан...[11]...Мисрдан...Оссурия юртидан* — Ишаё 11:10-12 га қаранг.

11:12 *Яҳудо халқи Менга қарши бош кўтарди...улар итоат қилмаяпти* — ёки *Яҳудо халқи Менга эргашмоқда...улар содиқ қолмоқда*. Бу оятда ишлатилган ибронийча феъл Яҳудо ҳақидаги яхши ёки ёмон хабарни билдириши мумкин. Бу ўринда ёмон хабар эканлигининг эҳтимоли кўпроқ. Хўшея асосан Исроилга, яъни шимолий шоҳликка қарши башорат қилган, баъзи ўринларда эса Яҳудо, яъни жанубий шоҳлик аҳолисига ҳам қарши башорат қилган (4:15, 5:5, 10, 14, 6:11, 8:14, 10:11, 12:2 га қаранг).

12:1 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

12:1 *гармсел* — иссиқ шамол.

12:2 *Ёқуб насли* — Худо Ёқубнинг исмини Исроил деб ўзгартирган (Ибтидо 32:27-28 га қаранг), шунинг учун кўпинча Ёқуб насли деганда Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолиси назарда тутилади. Бироқ бу ўринда мазкур исм ҳам Исроил, ҳам Яҳудо халқларига нисбатан ишлатилган. Ёқуб бу иккала халқнинг бобокалони бўлган.

12:3 *...Ёқуб акаси билан талашган...* — ёки *...Ёқуб ўз акасининг товонини ушлаб олган...*. Ибтидо 25:26 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг. Яна Ибтидо 25:29-34, 27:1-45 га қаранг.

12:3 *...Худо билан олишган* — Ибтидо 32:22-30 га қаранг.

12:4 *фариштa* — Эгамизнинг фариштаси назарда тутилган, баъзан бу ибора Худонинг Ўзи зоҳир бўлганига ишора қилинади. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭГАМИЗНИНГ ФАРИШТАСИ иборасига қаранг.

12:4 *Байтилда...* — Ибтидо 28:10-22, 35:1-15 га қаранг.

12:4 *...Худо билан суҳбат қурганди* — қадимий юнонча ва сурёнийча таржималардан. Ибронийча матнда *...биз Худо билан суҳбат қургандик*. Ёқуб Исроил халқининг бобокалони эди. Шунинг учун унинг Худо билан суҳбат қургани Исроил халқига худди уларнинг ўзи Худо билан суҳбат қургандай бўлиб туюлса керак.

12:9 *Ўша даврдагидай сени яна чодирларда яшаттираман* — Эгамиз Ўз халқини Мисрдаги қулликдан қутқаргандан кейин, улар қирқ йил саҳрода кўчманчилардай яшаган эдилар. Ўша даврда уларнинг ҳар қандай муҳтожлигини фақатгина Худо қондирарди. Исроил халқи Канъон юртига киришидан олдин Мусо уларни, такаббурлашиб кетманглар, Худони унутманглар, деб огоҳлантирган эди (13:5-6 га ва Қонунлар 8:1-19 га қаранг). Хуллас, Худонинг халқи яна фақатгина Худога таяниб яшашни ўрганиши керак эди.

12:11 *Гилад* — 6:8 га қаранг.

12:11 *Гилгал* — Исроил халқи Гилгалда бутларга топиниш учун саждагоҳ қурган эди (4:15, 9:15 га қаранг). Гилад ва Гилгал номлари ўзаро оҳангдош. Бу икки ном

бутун Исроилни, яъни шимолий шоҳликни билдиради. Гилад шоҳликнинг Иордан дарёсидан шарқий қисмини, Гилгал ғарбий қисмини билдирган.

12:12 *Орам — Паддон–Орам*нинг қисқа шакли. Паддон–Орам Фурот дарёси бўйида, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолида ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқида жойлашган ҳудуд эди. Ёқубнинг бобоси бўлган Иброҳимнинг баъзи қариндошлари шу ҳудудда яшаган.

12:12 *Ёқуб Орам юртига қочиб борди…* — Ибтидо 28:1-5 га қаранг.

12:12 *у* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми.

12:12 *…Қалин эвазига қўйлар боқди* — Ибтидо 29:1-20 га қаранг.

12:13 *пайғамбар* — Мусо назарда тутилган.

12:13 *Ёқуб насли* — ибронийча матнда *Исроил*, Ёқуб наслининг яна бир номи.

13:1 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

13:2 *…Кумушдан…санамлар ишлашар…* — эҳтимол, кумушдан ясалган бу санамлар хонаки санамлар бўлиб, Байтилдаги олтин бузоқ шаклида бўлган (8:5 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

13:2 *Менинг халқимга шундай деб айтишяпти…* — 3 Шоҳлар 12:26-33 га қаранг.

13:2 *Олтин бузоқларни ўпинглар!* — мазкур бутларга итоаткорлик ва садоқат белгиси. 3 Шоҳлар 19:18 га қаранг.

13:5 *…саҳрода…* — Худо Ўз халқини Мисрдаги қулликдан қутқаргандан кейин, улар қирқ йил саҳрода кўчманчилардай яшаганлар.

13:6 *Серҳосил ўлкада қорнингни тўйғиздим…* — Қонунлар 8:7-11 га қаранг.

13:14 *Мен бу халқни…қутқарармиканман?! Уларни…халос қилармиканман?!* — бу иборани дарак гап шаклида *Мен бу халқни…қутқараман. Уларни…халос қиламан* деб таржима қилса ҳам бўлади. Аммо дарак гап бу ўринда тўғри келмайди, чунки қолган оятларда муаллиф Исроил халқини Худонинг ҳукми ҳақида огоҳлантиряпти.

13:14 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

13:14 *Эй ўлим, қирғин олиб келгин! Эй ўликлар диёри, ҳалокатли кучингни кўрсатгин!* — ибронийча матнда *Эй ўлим, сен келтирадиган қирғин қани?! Эй ўликлар диёри, ҳалокатли кучинг қани?!* Бу ўриндаги саволлар мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Худо албатта Исроил халқини жазолашига ишора қилади.

13:15 *гармсел* — ҳосилга катта зиён келтирадиган иссиқ шамол. Бу ўринда мажозий маънода ишлатилиб, Худонинг ҳукмини билдиради.

14:1 *Самария аҳолиси* — 8:5 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

14:9 *Эфрайим* — 4:17 изоҳига қаранг.

14:9 *…Мен бутларингга асло ўхшамайман!* — ёки *…Энди бутларингни ташла!*

14:9 *Мен доим яшил сарв дарахти кабидирман…* — Эски Аҳдда Худо фақат шу жойда дарахтга қиёсланган. Канъондаги халқларнинг удумига кўра, саждагоҳлар сербарг дарахтлар остида ёки тепаликларда жойлашган эди. Ўша жойларда одамлар Баал ва шунга ўхшаш маҳаллий худоларга қурбонлик келтириб, улардан ёмғир ёғдиришни, ўзларининг молларию далаларига барака беришни сўрардилар. Бу ўринда Худо Ўз халқига фақатгина Унинг Ўзи доим барака ва

унумдорлик манбаи эканлигини эслатади.

ЙЎЭЛ

ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Йўэл пайғамбар Яҳудо ва Қуддус аҳолисига башорат қилиб, уларни тавбага чақиради. Унинг башоратлари аниқ ва лўнда бўлади. Йўэл пайғамбар қачон фаолият кўрсатгани аниқ эмас. Баъзи олимларнинг тахмини бўйича, Йўэл пайғамбар Бобил Қуддусни босиб олишидан аввал, яъни милоддан олдинги 586 йилгача фаолият кўрсатган. Яна баъзи бир олимларнинг тадқиқоти бўйича, пайғамбар Исроил халқи Бобилдаги сургундан қайтиб келгандан ва Маъбад қайта қурилгандан сўнг, яъни милоддан олдинги 515 йилдан кейин башорат қилган.

Мазкур китобда Йўэл пайғамбар “Эгамизнинг куни” ҳақида хабар беради. Ўша даврда Яҳудо халқи “Эгамизнинг куни”ни интизорлик билан кутарди. Улар ўша кун келганда Худо барча душманларни йўқ қилади, яҳудийлар учун рўшнолик даври бошланади, деб ўйлашарди. Бироқ пайғамбар бунга эътироз билдиради, аслида “Эгамизнинг куни” келганда, Худо, биринчи навбатда, Ўз халқини гуноҳлари учун жазолашини айтади. Шу боис, пайғамбар халқни тавбага чақиради. У Яҳудо юртига бостириб келадиган гала–гала чигирткалар ва у ерда ҳукм сурадиган даҳшатли қурғоқчилик ҳақида одамларни огоҳлантиради. У “Эгамизнинг куни”ни зимзиё зулмат куни, булут қоплаган тим қоронғи кун, деб тасвирлайди.

Йўэл пайғамбар халқни Худога қайтишга даъват қилади. Худонинг иноятиви раҳмдиллиги ҳақида сўз очади. Халқ жазо олиб бўлгандан кейин, Худо уларга шафқат қилишини, устиларига Ўз Руҳидан мўл қилиб ёғдиришини, душманларни эса аёвсиз жазолашини пайғамбар башорат қилиб айтади.

1–БОБ

1 Патувал ўғли Йўэлга Эгамиз шу сўзларни аён қилди:

Халқ нобуд бўлган донга куйинади

2 Эй оқсоқоллар, буни эшитинг!
Яҳудо одамлари, сиз қулоқ тутинг!
Юз берганми ҳеч бундай фалокат
Сизнинг ёки ота–боболарингиз замонида?!
3 Бу ҳақда фарзандларингизга айтинг сиз,
Болаларига сўзлаб берсин фарзандларингиз,
Кейинги авлодга етказсин набираларингиз.

4 Қирғин келтирувчи чигирткадан* қолганини
Еб битирди кемирувчи чигиртка галаси.
Кемирувчи чигиртка галасидан қолганини
Еб битирди сакрайдиган чигиртка галаси.
Сакрайдиган чигирткадан қолганини
Еб битирди қиртишловчи чигиртка галаси.

5 Уйғонинглар, эй майхўрлар, йиғланглар!

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Эй шаробхўрлар, фарёд қилинглар!
Шароб оғзингиздан тортиб олинди, ахир.
6 Бостириб келди юртимизга лашкарлар*,
Сон–саноқсиз кучли баҳодирлар.
Арслон тишига ўхшар тишлари,
Гўё урғочи арслонники қозиқ тишлари.
7 Узумзорларимизни улар пайҳон қилишди,
Анжир дарахтларимизни синдиришди,
Шохларию новдалар пўстлоғини шилиб,
Ҳаммасини шип–шийдам қилишди.

8 Қанорга ўранинг, эй одамлар, фарёд қилинг,
Куёвидан жудо бўлган келинчак каби.
9 Эгамиз уйидан узилган шароб, дон назри,
Аза тутаётир Эгамизнинг хизматкор руҳонийлари.
10 Хароб бўлди экинзорлар,
Мотам тутаётир далалар.
Буғдой бошоқлари қовжираб қолди,
Узум шарбати ҳам оқмай тўхтади,
Зайтун мойи ҳам тамом қуриди.

11 Қайғурмайсизларми, эй деҳқонлар?!
Фарёд солмайсизларми, эй боғбонлар?!
Нобуд бўлиб кетди–ку арпа, буғдойингиз,
Хароб бўлиб кетди–ку жамики ҳосилингиз.
12 Узум токи сўлиди, анжир дарахти қуриди.
Хазон бўлди анор, хурмо, олма — ҳамма дарахтлар.
Инсон севинчи тамом қуриб битди!

13 Қанорга ўраниб* мотам тутинг, эй руҳонийлар!
Фарёд қилинг қурбонгоҳда хизмат қиладиганлар!
Тунни ҳам қанорда ўтказинг сизлар,
Эй Худойимнинг хизматида юрганлар!
Худойингиз уйида назр қилгани
Дон ва шароб қолмади, ахир.
14 Рўза кунларини белгиланглар,
Ўша кунларга йиғин эълон қилинглар.
Йиғиб келинглар оқсоқолларни,
Юртнинг жамики аҳолисини.
Эгангиз Худонинг уйига йиғинглар,
Эгамизга илтижо қилиб ёлворинглар!

15 Шўримиз қурсин, эвоҳ!
Эгамизнинг кунига* оз қолди,
Қодир Худо кулфат келтиради!

16 Ризқ–рўзимиз кўз ўнгимизда қирқилди–ку!
Худойимиз уйида шод–хуррамлик тугади–ку!
17 Кесаклар тагида уруғлар нобуд бўлди,
Донли экинлар унмасдан қолди.

Омборхоналар бўм–бўш ётибди,
Дон омборлари хароб бўлибди.
18 Инграмоқда ҳайвонлар нақадар!
Ахир, қуриган–ку ўтлоқлар.
Дайдиб юрар мол подалари,
Гангиган ҳатто қўй сурувлари.

19 Эй Эгам, Сенга мен фарёд қиларман!
Ахир, олов ямлади даштдаги яйловларни,
Ёнғин йўқ қилди даладаги дарахтларни.
20 Ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам Сенга нола қилмоқда!
Ахир, ирмоқлар ҳам қуриб кетди,
Даштдаги яйловларни олов ямлади.

2–БОБ

Эгамизнинг куни яқинлашиб қолди

1 Қуддусда* бурғу чалинглар!
Эгамизнинг муқаддас тоғида* бонг уринглар!
Титрасин Яҳудонинг жамики аҳли,
Ахир, келяпти Эгамизнинг куни*.
У кунга оз вақт қолди.
2 Зимзиё зулмат куни бўлар у кун,
Булут қоплаган тим қоронғи бўлар у кун!
Катта кучли лашкар юртни босар,
Ёришган тонгдай тоғлар узра ёйилар.
Бунақаси азалдан ҳеч содир бўлган эмас,
Бундан кейин ҳам ҳеч қачон содир бўлмас.

3 Аланга ютиб борар улар олдидан,
Олов гувиллаб ёнар улар ортидан,
Бирон жонзот қочиб қутулмас улардан.
Илгари эди замин Адан боғидай,
Энди бўлиб қолди қақроқ саҳродай.

4 Уларнинг кўриниши отларга ўхшар,
Жанг отлари каби ҳужум қилишар.
5 Тоғ чўққиларига сакраб чиқишар,
Жанг аравасидай гумбурлаб чопар,
Ёнаётган хас–чўп каби чирсиллар,
Жангга тайёр бўлиб саф тортган
Кучли лашкарга ўхшар улар.

6 Уларнинг олдида халқлар даҳшатга тушар,
Ҳамманинг юзи бўздай оқариб кетар.
7 Жангчилардай ҳужум қилар бу лашкар,
Сипоҳлардай девордан ошиб тушар.
Сафдан четга чиқмай олға босишар.
8 Бир–бирларин туртмаслар,
Ҳаммаси ўз йўлида кетар.

Ғовларни ҳам ёриб ўтишар,
Ҳеч нарса уларни тўхтата олмас.
9 Бостириб боришар улар шаҳарга,
Ёпирилишар шаҳар деворларига.
Уйларга тирмашиб чиқишар,
Ўғридай деразалардан ичкарига киришар.

10 Уларнинг олдида замин титрар,
Осмону фалак қалтираб турар.
Қуёш ҳам, ой ҳам қорояр,
Юлдузлар нури сўнар.
11 Эгамиз лашкарнинг бошида турар,
Лашкарига Ўз садосин берар.
Нақадар беҳисоб Унинг қўшини,
Унинг амрига бўйсунадиганлар қудратли.
Эгамизнинг куни чиндан даҳшатли!
Бу ваҳимали кунга бардош бергай ким?!

Тавба–тазарруга даъват

12 Эгамизнинг каломи шудир:
“Ҳозир ҳам кеч эмас,
Рўза тутиб, йиғлаб, қайғуриб,
Бутун қалбингиз билан Менга қайтинглар.
13 Кийимингизни эмас, бағрингизни йиртинглар*.”

Эгангиз Худога қайтинглар, У иноятли,
Раҳмдил, жаҳли тез чиқмайди, содиқ севгиси мўлдир,
Ғазабидан тушиб кечирадиган Худодир.
14 Ким билсин, У шаштидан қайтар,
Балки хирмонингизга барака берар.
Шунда Эгангиз Худога сизлар
Дон билан шароб назрин тақдим қиласизлар.

15 Бурғу чалинг Қуддусда!
Рўза кунларин белгиланглар,
Ўша кунларга йиғин эълон қилинглар.
16 Йиғинг жамики халқни,
Пок қилинг жамоани.
Чақиртиринг қарияларни,
Олиб келинг болалару эмизикли гўдакларни.
Ҳатто янги келин–куёвлар ҳам
Чимилдиқдан чиқиб келишсин.

17 Маъбаднинг айвони билан қурбонгоҳ орасида*
Йиғлашсин Эгамизнинг хизматкор руҳонийлари,
Ёлворишсин шундай дея Худога:
“Эй Эгамиз, шафқат қилгин халқингга,
Мулкинг бўлган Исроил эллар аро кулги бўлмасин.
«Уларнинг Худоси қани?!» дея халқлар бизни мазах қилмасин!”

Эгамизнинг инояти

18 Эгамиз Ўз юртига жон куйдирди шул замон,
Ўз халқига раҳм қилди У ўшал он.
19 Жавоб берди* У халқига шундай дебон:
“Тўқ бўласиз, сизларга бераман шароб, мой ва дон.
Халқлар орасида мазах бўлишингизга энди йўл қўймайман.
20 Даф қиламан шимолдан келган лашкарларни,
Ҳайдаб соламан қақроқ, ҳувиллаган саҳрога уларни.
Ўлик денгизга улоқтираман илғор қисмларини,
Ўрта ер денгизига сураман орқа қисмларини.
Жасадларидан қўланса ҳид анқийди.”
Бажо қилди Эгамиз буюк ишларини!

21 Эй замин, қўрқма! Хурсанд бўл, шодлан.
Бажо қилди Эгамиз буюк ишларини!
22 Қўрқманглар энди, эй ёввойи ҳайвонлар,
Чунки ям–яшилдир даштдаги яйловлар,
Мева бераётир энди дарахтлар,
Анжир ва узумнинг ҳосили мўлдир.

23 Эй Қуддус халқи, хурсанд бўлинглар,
Эгангиз Худонинг ишларидан севининглар.
Сизларга У ён босиб, ёмғирни мўл ёғдирди.
Олдингидай, куз, баҳорда ёмғирни қуйдирди.
24 Энди хирмонлар донга тўлиб кетади,
Хумлар шаробу мой билан тўлиб–тошади.

25 Эгамиз шундай дейди:
“Зарар кўрдингиз қирғин келтирувчи,
Емирувчи чигирткалар* дастидан,
Экинзорларингизни кемириб ташлаган
Сакрайдиган чигиртка галаси дастидан,
Кўрган зарарингизни Мен қоплайман.
Бу кучли лашкарни сизга қарши Мен юборганман.

26 Энди сизлар хоҳлаганингизча ейсиз,
Сизлар учун ажойиботлар кўрсатган
Мен, Эгангиз Худога ҳамду сано айтасиз.
Эй халқим, ҳеч қачон шарманда бўлмайсан энди!
27 Эй Исроил, Мен орангда эканимни билиб оласан шунда,
Мен Эгангиз Худоман, йўқдир Мендан бошқаси.
Эй халқим, ҳеч қачон шарманда бўлмайсан энди!

Худо Ўз Руҳини ёғдиришни ваъда қилади

28 Сўнгра Ўз Руҳимни ёғдираман ҳар бир инсон устига,
Ваҳийлар келади йигитларингизга.
Башоратлар қилар сизнинг ўғил–қизларингиз.
Кароматли тушлар кўрар қарияларингиз.
29 Ўз Руҳимни ёғдираман ўша кунларда,
Ҳаттоки қулу чўриларингиз устига.

30-31 Менинг буюк ва даҳшатли куним келишидан олдин, Мен еру осмонда
аломатларни кўрсатаман. Ер юзида қонни, оловни ва тутун устунларини пайдо
қиламан. Қуёш қораяди, ой қон тусига киради.”
32 Шунда Худо даъват этган одамлар омон қолади. Ҳа, Эгамизга илтижо қилган
ҳар бир инсон қутқарилади. Эгамиз айтганидай, Сион тоғига ва Қуддусга қочиб
борганлар нажот топишади.

3–БОБ

Худо халқларни ҳукм қилади

1 Эгамиз шундай дейди: “Ўша кунларда Мен Яҳудо ва Қуддуснинг олдинги
мавқеини тиклайман. 2 Сўнг барча халқларни йиғиб, Ҳукм водийсига* олиб
тушаман. У ерда халқим Исроил ҳақи улар билан даъволашаман, чунки улар
Менинг халқимни турли элларга тарқатиб юбордилар. Юртимни эса ўзаро
бўлишиб олдилар. 3 Улар халқим учун қуръа ташлаб, ўғил–қизларимни сотиб
юбордилар. Тушган пулга фоҳишабозлигу айш–ишрат қилдилар.
4 Эй Тир, Сидон* ва бутун Филист халқи, Менда нима қасдингиз бор?! Сизлар
ҳали Мендан ўч олмоқчимисиз?! Борди–ю, ниятингиз шу бўлса, Мен ўша заҳотиёқ
қилмишингизга яраша жазоингизни бераман. 5 Сизлар олтину кумушларимни
тортиб олдингиз, қимматбаҳо хазиналаримни саждагоҳларингизга олиб
кетдингиз. 6 Яҳудо ва Қуддус халқини юнонларга* сотиб, ўз ватанидан йироқ
қилдингиз. 7 Энди Мен Яҳудо ва Қуддус халқини сизлар сотган юртлардан олиб
чиқаман. Қилмишингизга яраша жазоингизни бераман. 8 Ўғил–қизларингизни
Яҳудо халқига сотаман, улар эса фарзандларингизни олисдаги бир халққа —
Саволикларга* сотишади.” Зотан, бу сўзларни Эгамиз айтди.

9 Халқлар орасида шундай деб эълон қилинг:
“Жангга тайёрланиб, жангчиларни сафарбар қилинг!
Сипоҳларингиз ҳужум қилсин!
10 Омочларингиздан ясанг қиличлар,
Ўроқларингиздан қилинг найзалар.
Заифлар ҳам қўлига қурол тутсин.
11 Эй теваракдаги халқлар, шошилинг*,
Қани, ҳаммангиз водийда тўпланинг.”

Ўз сипоҳларингни, эй Эгам, чақир!

12 Эгамиз шундай дейди:
“Барча халқлар бўлсин сафарбар,
Ҳукм водийсига* келишсин улар.
Мен у ерда ўтирарман,
Ҳамма халқлар устидан ҳукм чиқарарман.
13 Қани, келинглар,
Етилган буғдойни ўргандай уларни ўринглар,
Пишган узумни эзгандай*, босиб йўқ қилинглар,
Хумлар тўлган,
Уларнинг қабиҳликлари билан тўлиб–тошган.”

14 Минг–минглаб оломон
Тўпланган Ҳукм водийсида!

Зотан, яқинлашгандир
Эгамизнинг куни* Ҳукм водийсига.
15 Қуёш ҳам, ой ҳам қорайган,
Юлдузлар нури сўнган.

16 Эгам Қуддусдан туриб ҳайқирар,
Сиондан гулдурос овози янграр,
Еру осмон ларзага келар.
Аммо Эгам Ўз халқини паноҳига олар,
У Исроил халқининг қўрғони бўлар.

Худо Ўз халқини баракалайди

17 Эгамиз шундай дейди:
“Эй халқим, шунда сизлар
Эгангиз Худо Мен эканлигимни биласизлар.
Мен муқаддас тоғим Сионда* қурганман маскан.
Табаррук бир шаҳар бўлади Қуддус,
Босқинчилар энди асло унга қилмас тажовуз.

18 Ўша куни сут оқар қирлардан,
Узум шарбати келар тоғлардан,
Яҳудодаги ўзанлар сувга тўлар,
Менинг уйимдан булоқ отилиб чиқар,
Акас дарахтлари ўсадиган қақроқ сойликни* суғорар.

19 Миср ҳувиллаб, Эдом* бўм–бўш саҳрога айланар.
Оҳ, Яҳудо халқига зулм ўтказди улар,
Бегуноҳ одамларнинг қонин тўкдилар.
20-21 Мен албатта жазолайман уларни!
Асло оқламайман жиноятчиларни!*
Яҳудо эса абадий яшар,
Қуддус авлодлар оша барқарор бўлар.
Мен, Эгангиз, Сионда қурганман маскан.”

ИЗОҲЛАР

1:4 *чигиртка* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот. Бу оятнинг ибронийча матнида чигирткага нисбатан тўрт хил сўз ишлатилган. Ушбу ибронийча сўзлар тўрт хил чигирткани ёки чигиртканинг ривожланиш жараёнидаги тўртта босқични билдириши мумкин. Шунингдек, чигирткага нисбатан ишлатилган тўртта синоним сўз бўлиши ҳам мумкин.

1:6 *лашкарлар* — мажозий образ бўлиб, чигиртка галасига ишора қилади.

1:13 *Қаноргa ўраниб…* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қаноргa ўраниб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

1:15 *Эгамизнинг куни* — Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бир неча марта учрайдиган ибора. Кўпинча бу ибора Худонинг жазоси келадиган алоҳида бир вақтга ишора қилади. Мазкур оятда чигирткалар фалокатига нисбатан ишлатилган. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

2:1 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 15, 23–оятларида ҳам бор). Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган.

2:1 *Эгамизнинг муқаддас тоғи* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

2:1 *Эгамизнинг куни* — Йўэл чигирткалар келтирган фалокатга ишора қилиб (1:2-12 га қаранг), келажакда ундан–да даҳшатлироқ ҳукм юз бериши ҳақида огоҳлантиради (1:15 изоҳига қаранг).

2:13 *Кийимингизни эмас, бағрингизни йиртинглар* — кийимларни йиртиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган. Йўэл, бағрингизни йиртинглар, деган иборани мажозий маънода қўллаб, одамларни чин юракдан тавба қилишга чақиради.

2:17 *Маъбаднинг айвони билан қурбонгоҳ орасида…* — руҳонийлар одамлар учун ибодат қиладиган жой.

2:19 *Жавоб берди…* — одамлар Йўэл пайғамбарнинг сўзларига қандай муносабат билдиргани очиқ ёзилмаган бўлса–да, аниқ кўриниб турибдики, улар тавба қилиб, Эгамизга қайтганлар.

2:25 *чигирткалар* — бу оятнинг ибронийча матнида чигирткага нисбатан тўрт хил сўз ишлатилган. 1:4 изоҳига қаранг.

3:2 *Ҳукм водийси* — ибронийча матнда *Ёҳушафат водийси*, маъноси *Эгамиз ҳукм қиладиган водий*. Қуддусга яқин бўлган бир жойнинг рамзий номи бўлиши

мумкин. Ибронийча матнда шу бобнинг 14–оятида *Ҳукм водийси* деган ибора ишлатилган. Бу водий фақат мазкур китобда тилга олинган. Ҳукм водийси Худо охиратда Ўз халқининг душманларини ҳукм қиладиган жой, деб тасвирланган.

3:4 *Тир, Сидон* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар. Бу шаҳарлар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади. Филистлар бу шаҳарлар билан иттифоқ тузган эдилар.

3:6 *юнонлар* — ибронийча матнда *Ёвон насли*, ўша вақтда юнонлар шу ном билан ҳам аталарди.

3:8 *Саво* — Арабистон ярим оролининг жанубида ёки Африкада, Қизил денгизнинг ғарбий бўйида жойлашган.

3:11 *…шошилинг…* — бу кесатиқли эълонда Худонинг халқига душман бўлганлар ўз ҳукмларига тез етиб келишга даъват қилинганлар.

3:12 *Ҳукм водийси* — ибронийча матнда *Ёҳушафат водийси*, маъноси *Эгамиз ҳукм қиладиган водий*. Шу бобнинг 2–ояти изоҳига қаранг.

3:13 *…Етилган буғдойни ўргандай…Пишган узумни эзгандай…* — халқларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетган қабиҳлиги ғарқ пишган ҳосилга ўхшатилган. Етилган буғдойни ўриш вақти келгандай, қабиҳ халқларнинг Худо томонидан ҳукм қилиниш вақти ҳам етиб келган эди. Узум эзиш ҳам Муқаддас Китобда кўпинча Худонинг одамлар устидан чиқарадиган ҳукмига нисбатан кўчма маънода ишлатилган. Қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

3:14 *Эгамизнинг куни* — 1:15 изоҳига қаранг.

3:17 *муқаддас тоғим Сион* — 2:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

3:18 *Акас дарахтлари ўсадиган қақроқ сойлик* — ибронийча матнда *Шитим сойлиги*, маъноси *акас дарахти сойлиги*. Акас дарахтлари қуруқ ерларда ўсади.

3:19 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди.

3:20-21 *Мен албатта жазолайман уларни! Асло оқламайман жиноятчиларни!* — ёки *Мен олдин уларнинг кечирмаган айбларини энди кечираман*. Бу ҳолда мазкур жумла Яҳудо ва Қуддус аҳолисига нисбатан айтилган, деб тушуниш керак.

АМОС
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Амос пайғамбар Яҳудо* юртидан бўлиб, у ерда чорвачилик билан шуғулланар эди. У пайғамбар бўлиш учун ҳеч қандай таҳсил олмаган (7:14-15 га қаранг). Шунга қарамай, Худо уни Исроил юртига юборади ва у ердаги халққа башорат қилишни буюради. Амос Яҳудо юртидаги ўзи яшаётган Тахува қишлоғини тарк этиб, Исроил юртидаги Байтил шаҳрига боради. Ўша даврларда Байтил Исроилдаги бутпарастликнинг энг ашаддий ўчоғи бўлган.

Ушбу китобнинг бошланишида Амос пайғамбар Исроил атрофидаги халқлар тўғрисида башорат қилади. Сўнг Исроил халқининг, айниқса, бой–бадавлат одамларнинг аччиқ қисматини эълон қилади. Негаки, улар камбағал юртдошларини шилиб, қул қилиб олишарди. Ўша даврда Исроил халқининг аксарият қисми Худонинг йўлидан оғиб, бутларга сиғина бошлаган эди. Шунга қарамай, улар Худодан нажот кутишарди. Амос эса халқни огоҳлантириб, Худо уларни жазолашини айтади.

Китоб умидбахш сўзлар билан якунланади. Худо Ўз халқини жазолаб бўлгандан сўнг, уларни асирликдан ўз юртига қайтариб олиб келади, Исроил шоҳлигини қайта тиклайди.

1–БОБ

1 Ушбу китобда Тахувада* чорвадор бўлган Амоснинг сўзлари баён этилган. Исроил* тўғрисидаги бу сўзлар Амосга зилзиладан* икки йил аввал ваҳий орқали аён бўлган эди. Ўша даврда Яҳудо юртида шоҳ Уззиё, Исроил юртида эса Ёҳўш* ўғли шоҳ Ёрубом* ҳукмронлик қилаётган эдилар.

2 Амос шундай деди:

“Эгамиз Қуддусдан туриб ҳайқиради,
Сиондан* гулдурос овози янграйди!
Чўпонларнинг яйловлари қуриб қолади*,
Кармил* чўққисидаги ўтлар хазон бўлади.”

Исроил атрофидаги халқлар ҳукм қилинади

Орам

3 Эгамиз шундай демоқда:
“Дамашқ* аҳолиси гуноҳ устига гуноҳ қилди!
Мен уларни жазосиз қолдирмайман,
Ахир, улар Гилад аҳолисини темир тишли хўптир билан янчди*.
4 Шундай экан, Мен шоҳ Хазайилнинг саройига олов ёғдираман,
Олов Банҳададнинг* қалъаларини ёндириб юборади.
5 Мен Дамашқ дарвозаларининг тамбаларини синдираман.
«Қабиҳлик* водийси»нинг ҳукмдорини йўқ қиламан,
Байт–Эденда* салтанат ҳассасини* тутган зотни ҳалок қиламан.
Орам халқи асирликка тушади, Хир юртига* олиб кетилади.”
Эгамизнинг каломи шудир.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Филистия

6 Эгамиз шундай демоқда:
“Ғазо* аҳолиси гуноҳ устига гуноҳ қилди!
Мен уларни жазосиз қолдирмайман,
Ахир, улар халқимнинг қишлоқларидаги аҳолисини
Асирликка олиб, Эдом халқига қул қилиб сотдилар.
7 Шундай экан, Мен Ғазо деворига олов ёғдираман,
Олов Ғазо қалъаларини куйдириб ташлайди.
8 Мен Ашдод шаҳрининг ҳукмдорини* йўқ қиламан,
Ашқалонда салтанат ҳассасини тутган зотни ҳалок қиламан.
Эхрон шаҳрига қарши қўл кўтараман,
Омон қолган Филистларни қириб ташлайман!”
Эгамиз Раббийнинг каломи шудир.

Тир

9 Эгамиз шундай демоқда:
“Тир* аҳолиси гуноҳ устига гуноҳ қилди!
Мен уларни жазосиз қолдирмайман.
Ахир, улар биродарлик иттифоқини унутиб,
Халқимнинг қишлоқларидаги аҳолисини
Эдомликларга қул қилиб сотдилар.
10 Шундай экан, Мен Тир деворига олов ёғдираман,
Олов Тир қалъаларини куйдириб ташлайди.”

Эдом

11 Эгамиз шундай демоқда:
“Эдом* аҳолиси гуноҳ устига гуноҳ қилди!
Мен уларни жазосиз қолдирмайман.
Ахир, улар қардоши Исроил халқига* раҳм қилмадилар.
Уларни қилич билан таъқиб қилиб*,
Қаҳрини чексиз сочдилар,
Ғазабидан ҳеч тушмадилар.
12 Шундай экан, Мен Темон шаҳрига олов ёғдираман,
Бозрах* қалъаларини олов куйдириб ташлайди.”

Оммон

13 Эгамиз шундай демоқда:
“Оммон* халқи гуноҳ устига гуноҳ қилди,
Мен уларни жазосиз қолдирмайман.
Ахир, улар ҳудудини кенгайтириш учун Гиладга ҳужум қилдилар,
Ўшанда ҳомиладор аёлларнинг қоринларини ёрдилар.
14 Шундай экан, Мен Рабба шаҳрининг* деворига ўт қўяман,
Олов Рабба қалъаларини куйдириб ташлайди.
Ўша куни жангдаги ҳайқириқлар фалакни тутади,
Жанг бўрон каби авж олади.
15 Оммон шоҳи сургун қилинади,
У билан бирга мулозимлар ҳам олиб кетилади.”
Эгамизнинг каломи шудир.

2–БОБ

Мўаб

1 Эгамиз шундай демоқда:
“Мўаб* халқи гуноҳ устига гуноҳ қилди!
Мен уларни жазосиз қолдирмайман.
Ахир, улар Эдом шоҳининг қабрини булғадилар,
Суякларини куйдириб оҳак қилдилар.
2 Шундай экан, Мен Мўаб устига олов ёғдираман,
Олов Харийўт* қалъаларини куйдириб ташлайди.
Шовқин–сурон остида, босқинчиларнинг ҳайқириқларию
Бурғу садолари остида Мўаб халқи ҳалок бўлади.
3 Мен Мўаб ҳукмдорини йўқ қиламан,
У билан бирга мулозимларини қириб ташлайман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Яҳудо

4 Эгамиз шундай демоқда:
“Яҳудо халқи гуноҳ устига гуноҳ қилди!
Мен уларни жазосиз қолдирмайман,
Ахир, улар қонунларимдан юз ўгирдилар.
Қоидаларимни бажармадилар.
Ота–боболари сингари, сохта худоларга сиғиниб,
Ҳақ йўлдан оздилар.
5 Шундай экан, Мен Яҳудо юртига олов ёғдираман,
Олов Қуддус қалъаларини куйдириб ташлайди.”

Исроил халқи ҳукм қилинади

6 Эгамиз шундай демоқда:
“Исроил халқи гуноҳ устига гуноҳ қилди!
Мен уларни жазосиз қолдирмайман,
Ахир, улар айбсизларни пулга сотяптилар.
Камбағалларни бир жуфт чориққа алмаштиряптилар.
7 Йўқсилнинг бошини тупроққа қориб, оёқ ости қиляптилар,
Мазлумни йўлдан четга итариб чиқаряптилар.
Ота ва ўғил битта жувон билан ётиб*,
Мени бадном қиляптилар.
8 Улар ҳар бир қурбонгоҳ олдида
Ўзлари гаровга олган либослар устида ётибдилар*.
Ўз Худосининг уйида,
Жарима эвазига олган шаробни ичяптилар.

9 Эй Исроил халқи, Мен сизни деб,
Амор халқларини* йўқ қилган эдим.
Уларнинг бўй–басти садр дарахтидай баланд,
Эман дарахтидай бақувват бўлган бўлса–да,
Мен уларнинг мевасини қовжиратган эдим,
Илдизини қуритган эдим.
10 Амор халқининг юртини сизларга мулк қилиб бераман деб,
Сизларни Миср юртидан олиб чиққандим.
Қирқ йил саҳрода сизларга йўл кўрсатиб юргандим.

11 Фарзандларингиздан пайғамбарлар тайинладим,
Баъзи йигитларингизни, Менга бағишланинглар*, деб чорладим.
Шундай эмасми, эй Исроил халқи?!
— деб айтмоқда Эгамиз. —
12 Сизлар эса Менга бағишланганларга шароб ичирдингиз*,
Пайғамбарларимга: «Башорат қилманглар!» деб буюрдингиз.

13 Мана энди сизларни шу қадар эзаманки,
Сизлар оғир юк остида ғирчиллаган аравадай бўласиз.
14 Ўшанда чаққонлар ҳам қочиб қутулолмайди,
Паҳлавонлар ҳам кучдан қолади,
Ҳатто жангчилар ҳам жонини сақлай олмайди.
15 Камонкаш дош беролмайди,
Чопарлар қутқара олмайди ўзини,
Отлиқлар сақлай олмайди жонини.
16 Ўша куни жасурларнинг энг довюраги ҳам
Қурол–аслаҳаларини ташлаб қочади.”
Эгамизнинг каломи шудир.

3–БОБ

1 Эй Исроил халқи, Эгамизнинг сўзларига қулоқ солинг. У Мисрдан олиб чиққан бутун халқингизга шундай деб айтмоқда:

2 “Ер юзидаги барча халқлар орасидан
Ёлғиз сизларни танлаб олган эдим.
Шу сабабдан ҳам гуноҳларингизга тоқат қила олмайман,
Қилган ҳамма гуноҳларингиз учун сизларни жазолайман.”

Пайғамбар Худонинг жарчисидир

3 Икки киши келишиб олгандан кейингина бирга йўлга тушади.
4 Шер қурбонини кўзлаб қўйсагина, ўрмонда ўкиради,
Йиртқич шер ўлжасини ушласагина, уясида ириллайди.
5 Тузоққа емиш қўйилсагина, қуш сиртмоққа тушади,
Тузоққа ҳеч нарса илинмаса, сиртмоқ тортилмайди.
6 Хўш, шаҳарда бурғу чалинса, ким саросимага тушмайди?!
Эгамизнинг иродасисиз ҳеч бир кулфат шаҳарга келмайди.

7 Дарҳақиқат, Эгамиз Раббий Ўз сирини пайғамбарларига аён қилади,
Сирини ўша хизматкорларига аён қилмай туриб, У ҳеч нарса қилмайди.

8 Ана, шер ўкирди! Ким қўрқмайди?!
Ана, Эгамиз Раббий гапирди! Ким башорат қилмайди?!

Самариянинг қисмати

9 Ашдод* қалъаларида эълон қилинг,
Миср қалъаларида шундай деб жар солинг:
“Самария* атрофидаги қирларда тўпланинг,
У ердаги авжига чиққан ғалаённи бир кўринг,
Зўравонликнинг гувоҳи бўлинг.”
10 Эгамиз шундай демоқда:
“Самарияликлар қалъаларини ҳаром бойликка тўлдирдилар,

Тўғрилик нималигини улар билмайдилар.”
11 Шу сабабдан Эгамиз Раббий шундай демоқда:
“Душман* Самарияни қуршовга олади,
Истеҳкомларини вайрон қилади,
Самария қалъалари талон–тарож бўлади.”

12 Эгамиз шундай демоқда: “Арслоннинг оғзидан қўзичоқни тортиб олмоқчи бўлган чўпон, қўзичоқнинг икки туёғини ёки қулоғининг бир парчасини тортиб олади, холос. Самария аҳолиси ҳам шу аҳволга тушади. У ер–бу ерларда супаю курси парчалари қолади, холос*.”

13 Парвардигори Олам — Эгамиз Раббий демоқда:
“Гапимни эшитинг! Ёқуб наслига* қарши гувоҳлик беринг!
14 Мен Исроил халқини қилган гуноҳи учун жазолайман,
Ўша куни Байтил* қурбонгоҳларини вайрон қиламан.
Қурбонгоҳнинг шохлари кесилиб, ерга тушиб ётади*.
15 Мен қишки ва ёзги саройларни бузиб ташлайман,
Фил суяги билан безатилган кошоналарни вайрон қиламан,
Барча ҳашаматли уйларни йўқ қиламан.”
Эгамизнинг каломи шудир.

4–БОБ

1 Эй Самария* аёллари, эшитинг!
Сизлар Башандаги* сигирлардай семириб кетгансиз*,
Камбағалларга жабр қиласиз, йўқсилни эзасиз,
Эрларингиздан ичкилик талаб қиласиз.
2 Эгамиз Раббий Ўз муқаддас номи ҳақи онт ичиб демоқда:
“Шундай кунлар келадики,
Сизларни илмоқлар билан судраб кетишади,
Ҳар бирингизни қармоқлар билан тортиб кетишади.
3 Ҳар бирингизни девордаги тешиклар орасидан судраб олиб чиқишади.
Итариб–итариб сизларни Хермон томон* олиб кетишади*,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

4 Қани, энди Байтилга* бориб гуноҳ қилаверинг!
Гилгалда гуноҳларингизни кўпайтиринг!*
Саҳарда* қурбонликлар келтиринг,
Эртасига ушрлар* олиб келинг!
5 Хамиртурушли нонларни Менга шукрона назри қилинг,
Кўнгилдан чиқариб берган қурбонлигингиз ҳақида
Жар солиб ҳаммага айтинг,
Ахир, бундай қилишни хўп яхши кўрасиз, эй Исроил халқи!
— деб айтмоқда Эгамиз Раббий. —

6 Мен ҳамма шаҳарларингизда сизларга
Тишингизнинг кирини сўрдирдим,
Қишлоқларингизни нонга зор қилдим,
Шунда ҳам сизлар Менга қайтмадингизлар,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

7 Экинзорларингизга сув керак бўлганда,
Мен ёмғир ёғдирмадим.
Бир шаҳарга ёмғир ёғдириб,
Бошқасига ёғдирмас эдим.
Бир далани ёмғир сувига тўйдирардим,
Бошқасига ёмғир ёғдирмай, қуритар эдим.
8 Шунда икки–уч шаҳар аҳолиси сув ичгани
Бошқа шаҳарга оёғини судраб борарди.
Лекин сизлар сувга тўймадингизлар.
Шунда ҳам Менга қайтмадингизлар,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

9 Мен ҳосилингизга шира ва оққиров касалини юбордим.
Чигирткалар* қайта–қайта боғу узумзорларингизни,
Анжир ва зайтун дарахтларингизни нобуд қилди,
Шунда ҳам сизлар Менга қайтмадингизлар,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

10 Мисрда бўлгани каби орангизга фалокат* юбордим.
Йигитларингизни қиличдан ўтказдим,
Отларингизни душманларингизга бердим.
Қароргоҳингиздаги жасадларнинг қўланса ҳиди билан
Димоғингизни тўлдирдим.
Шунда ҳам сизлар Менга қайтмадингизлар,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

11 Садўм ва Ғамўрани* йўқ қилганим каби,
Мен кўпларингизни йўқ қилдим.
Баъзиларингизни эса олов ичидан қутқаргандай қутқаргандим.
Шунда ҳам Менга қайтмадингизлар,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

12 Шундай экан, эй Исроил,
Мен сени жазолайман.
Худонинг олдида ҳисоб беришга тайёрлангин!”

13 Зеро, Худо тоғларга шакл берди,
Шамолни юзага келтирди.
У режаларини инсонларга аён қилади,
Тонгги шафақ нурини зулматга айлантиради,
Тоғ чўққилари узра юради.
Парвардигори Олам — Эгамиздир Унинг номи!

5–БОБ

Тавба–тазарруга даъват

1 Эй Исроил халқи, мен сен ҳақингда айтаётган марсиямга қулоқ солгин:

2 Бокира қиз Исроил талафот кўрди,
Энди у ҳеч қачон ўзини ўнглаб олмайди!
Ташлаб кетилган, у ўз юртида ағнаб ётади,

Унга туриш учун ҳеч ким ёрдам бермайди.

3 Эгамиз Раббий шундай демоқда:
“Бир шаҳрингдан жангга чиққан мингта жангчидан
Юзтаси омон қолади.
Бошқа шаҳрингдан жангга чиққан юзта жангчидан
Ўнтаси омон қолади.”

4 Исроил халқига Эгамиз шундай демоқда:
“Менга интилинглар, шунда яшайсизлар.
5 Байтилга* эса борманглар,
Гилгалга* оёқ босманглар,
Бершеба* томонга ўтиб юрманглар.
Ахир, Гилгал аҳолиси сургун қилинади,
Байтил буткул вайрон бўлади.”

6 Эгамизга интилинг, шунда яшайсиз.
Акс ҳолда, эй Юсуф хонадони*,
Сизга Худо оловдай ёпирилади,
Олов Байтилни ямлаб ютади.
Ёнғинни ўчирадиган одам бўлмайди.
7 Эй адолатни заҳар ўтга айлантирганлар,
Ҳақиқатни ерга улоқтирганлар,
Сизнинг ҳолингизга вой!

8 Парвин* ва Ҳулкар* юлдузларини яратган Эгамиздир,
У зулматни тонгги нурга айлантиради,
Кундузни қоронғиликка чўктириб, тун қилади,
Денгиз сувларини йиғиб, ер юзига сочиб юборади.
Эгамиздир Унинг номи.
9 У кучлилар устига кулфат ёғдиради,
Қалъаларни кулфатга гирифтор қилади.

10 Сизлар эса адолатли қозилардан нафратланасизлар,
Ҳақиқатни гапирувчилардан ҳазар қиласизлар.
11 Камбағалнинг буғдойидан катта солиқ олиб, бечорани эзасизлар.
Шундай экан, йўнилган тошдан қурган уйларингизда яшамайсизлар.
Барпо қилган гўзал узумзорларингиз маҳсулидан шароб ичмайсизлар.
12 Мен биламан сизлар гуноҳга ботиб кетганингизни,
Кўплаб жиноятларга қўл урганингизни.
Сизлар айбсиз кишини эзиб, пора ейсизлар,
Маҳкамаларда фақирни адолатдан маҳрум қиласизлар.
13 Шунинг учун фаросатли одам бундай замонда сукут сақлайди,
Ахир, бу ёвуз замондир.

14 Ёмонликнинг эмас,
Яхшиликнинг пайида бўлинглар,
Шунда яшайсизлар.
Парвардигори Олам — Эгамиз ҳам,
Ўзларингиз айтганингиздай сизлар билан бирга бўлади.
15 Ёмонликдан нафратланиб, яхшиликни севинг,

Маҳкамаларда* адолат ўрнатинг.
Балки шунда, эй Юсуф наслидан* омон қолганлар,
Парвардигори Олам — Эгамиз сизга илтифот қилар.

16 Эй Исроил халқи, гуноҳларингиз туфайли
Раббий, Парвардигори Олам — Эгамиз шундай демоқда:
“Ҳамма шаҳар майдонларида одамлар дод–фарёд кўтаришади,
Ҳамма кўчаларда «Вой жоним! Вой жоним!» дея йиғи–сиғи қилишади.
Деҳконларни аза тутиш учун чақиришади,
Марсия айтадиган йиғичи аёллар ёлланади*.
17 Ҳар бир узумзордан фиғон эшитилади,
Ахир, Мен орангиздан ўтиб, сизларни жазолайман.”
Эгамизнинг каломи шудир.

Эгамизнинг куни — зулмат куни

18 Эгамизнинг кунини* интизорлик билан кутганларнинг ҳолига вой!
Нега Эгамизнинг кунини кутяпсизлар?
Бу кун ёруғлик эмас, зулмат олиб келади–ку!
19 Ўша куни сизлар гўё арслондан қочиб,
Айиққа дуч келган одамдай бўласизлар.
Ўша одам айиқдан ҳам қочиб, уйига келади,
Қўли билан деворга суянганда уни илон чақади.
20 Наҳот тушунмасангиз?!
Эгамизнинг куни ёруғлик эмас,
Қоронғилик олиб келади–ку!
Ўша кун нурсиз, зулмат куни бўлади!

21 Эгамиз шундай дейди:
“Эй Исроил халқи!
Мен маросимларингиздан нафратланаман,
Улардан ҳазар қиламан.
Муқаддас йиғинларингизни хуш кўрмайман.
22 Менга қурбонликлар куйдирсангиз ҳам,
Дон назрларини атасангиз ҳам,
Мен уларни қабул қилмайман.
Семиз ҳайвонларингизни сўйиб,
Тинчлик қурбонликларини келтирсангиз ҳам,
Мен улардан рози бўлмайман.
23 Бўлди, бас қилинг сершовқин ашулаларингизни,
Мен эшитмайман торингизнинг наволарини.
24 Ундан кўра, сувдай оқсин адолат,
Тўхтовсиз дарёдай оқсин ҳақиқат.

25 Эй Исроил халқи, сизлар жуда кўп қурбонликлар келтирасизлар! Мен ота–боболарингизни қирқ йил саҳрода олиб юрганимда, улардан шу қадар кўп қурбонлигу назрларни талаб қилмадим! 26-27 Сизлар ўзингиз учун ясаган илоҳий шоҳингиз Сиккут ва юлдуз худоси Кивуннинг* тасвирларига топиниб юрибсизлар. Шунинг учун Мен сизларни Дамашқ ортидаги юртга* сургун қиламан. Қани энди туринглар! Худоларингизни кўтариб олиб кетинглар.”
Эгамизнинг каломи шудир. Парвардигори Оламдир Унинг номи.

6–БОБ

1 Эй Қуддусда* роҳат–фароғатда яшаганлар, ҳолингизга вой!
Эй Самария тоғида* бехатар бўлганлар, ҳолингизга вой!
Сизлар ўзларингизни энг сара халқнинг обрўли одамлари деб биласизлар,
Бизга бош бўлинглар, деб Исроил халқи сизнинг олдингизга келади.
2 Калней шаҳрига бориб, унинг аҳволини кўринглар.
У ердан буюк Хомат шаҳрига ўтиб, ҳолини билинглар.
Филист халқининг Гат* шаҳрига ҳам бориб кўринглар.
Сизларнинг бу шоҳликлардан афзалроқ жойингиз бормиди?!
Ёки ерингиз уларникидан каттароқмиди?!*
3 Кулфат куни келишига сизлар ишонмаяпсизлар,
Зўравонлик ҳукмрон бўлишига сабабчи бўляпсизлар!

4 Сизлар фил суягидан ясалган супаларда чўзилиб ётасизлар,
Курсиларда* ёнбошлаб ўтирасизлар,
Қўзичоқларнинг гўштидан лаззатланасизлар,
Семиртирилган бузоқларнинг гўштидан таом ейсизлар,
5 Ўзларингизча Довуд каби куйлар басталайсиз,
Арфанинг янграган наволарига ашулалар айтасиз.
6 Қадаҳлаб шароб ичасиз,
Хушбўй мойнинг энг аълосини баданингизга суртасиз.
Халқингиз — Юсуф наслининг* кулфати учун эса қайғурмайсиз!
7 Шундай экан, сизлар биринчи бўлиб сургун қилинасиз,
Ёнбошлаб ўтказган зиёфатларингиз тугайди.

8 Эгамиз Раббий Ўз номини ўртага қўйиб онт ичди,
Ҳа, Парвардигори Олам — Эгамиз шундай демоқда:
“Мен Ёқуб наслининг* такаббурлигидан нафратланаман,
Уларнинг қалъаларидан ҳазар қиламан.
Самария шаҳрини ва у ердаги ҳамма нарсани
Мен душманнинг* қўлига бераман.”

9 Агар бир уйда ўнта одам қолган бўлса, уларнинг ҳаммаси ўлади. 10 Уларнинг яқин қариндоши ва гўрков марҳумларни дафн қилмоқчи бўлиб келишади. Яқин қариндоши жасадларни олиб чиққанда гўрковдан: “Яна жасадлар борми?” деб сўрайди. Гўрков: “Йўқ”, деб жавоб беради. Кейин эса: “Жим!* Эгамизнинг номини тилга олмайлик!” деб айтади.

11 Ана, Эгамиз амр бермоқда:
Кошоналар бузиб ташланади,
Кулбалар яксон бўлади.

12 Отлар қоялар устида чопа олмайди–ку!
Денгизни* ҳўкизлар билан шудгор қилиб бўлмайди–ку!
Қойил–э, сизлар эса адолатни заҳарга айлантирдингиз,
Солиҳликнинг ширин мевасини аччиқ қилдингиз.
13 Сизлар: “Лўдавор шаҳрини*
Қўлга киритдик”, деб мақтаниб юрибсизлар.
“Карнайим шаҳрини*
Ўз кучимиз билан енгдик”, деб айтяпсизлар.

14 Парвардигори Олам — Эгамиз шундай демоқда:
“Эй Исроил халқи, қаранглар!
Мен сизларга қарши бир халқни қўзғатдим.
Улар Лево–Хоматдан* то Арабадаги сойликкача* сизларни эзадилар.”

7–БОБ

Чигирткалар ҳақидаги ваҳий

1 Эгамиз Раббий менга шундай ваҳий кўрсатди: деҳқонлар шоҳ саройи учун буғдой ўриб олганларидан кейин, иккинчи экинлар униб чиқа бошлабди*. Шу пайтда Эгамиз гала–гала чигирткаларни* пайдо қилди. 2 Чигирткалар ер юзида кўкариб турган ҳамма нарсани еб битиришибди. Шунда мен ёлвордим:

“Эй Эгам Раббий, илтижо қиламан, гуноҳимиздан ўтгин!
Ёқуб насли* бунга бардош бера олармикин?!
Ўзи кичкина бир халқ бўлса!”
3 Шунда Эгамиз шахтидан қайтди:
“Бундай қилмайман”, деб менга айтди.

Олов ҳақидаги ваҳий

4 Эгамиз менга яна бир ваҳий кўрсатди: Эгамиз Раббий халқини олов билан* жазоламоқчи бўлибди. Олов буюк денгизни* ямлабди, кейин юртни ёндира бошлабди. 5 Шунда мен ёлвордим:

“Эй Эгам Раббий, ўтинаман, бас қилгин!
Ёқуб насли бунга бардош бера олармикин?!
Ўзи кичкина бир халқ бўлса!”
6 Шунда Эгамиз шахтидан қайтди.
Эгамиз Раббий: “Хўп, бундай ҳам қилмайман”, деб менга айтди.

Шоқул ҳақидаги ваҳий

7 Мен яна бир ваҳий кўрдим: шоқул* ёрдамида қурилган деворнинг олдида Раббий турган экан. У деворнинг тўғри ёки қийшиқлигини шоқул билан текшираётган эди. 8 Эгамиз мендан:
— Нимани кўряпсан, Амос? — деб сўради.
— Шоқулни, — деб жавоб бердим мен. Сўнг Раббий шундай деди:

“Қара, Мен шоқул ёрдамида
Халқим Исроилни текшираман.
Энди уларга шафқат қилмайман.
9 Исҳоқ наслининг* саждагоҳлари* вайрон бўлади,
Ҳа, Исроилнинг қадамжолари йўқ қилинади,
Мен шоҳ Ёрубом* хонадонига қилич билан ҳужум қиламан*.”

Амос ва руҳоний Эмозиё

10 Байтилдаги* руҳоний Эмозиё Исроил шоҳи Ёрубомга хабар юбориб, шундай деди:
— Амос Исроил халқи орасида сизга қарши фитна уюштирмоқда. Унинг бу сўзларини халқимиз кўтара олмайди. 11 Амос шундай деб айтиб юрибди: “Ёрубом қиличдан ҳалок бўлади, Исроил халқи ўз юртидан албатта сургун қилинади.”
12 Эмозиё Амоснинг ўзига эса шундай деди:
— Эй валий, бу ердан чиқиб кет! Яҳудо юртига бор. Нонингни ўша ердан топиб

егин. Башоратларингни ҳам ўша ерда айт. 13 Аммо Байтилда қайта башорат қила
кўрма, чунки бу шоҳнинг қутлуқ жойидир, шоҳлигимизнинг саждагоҳидир.
14 Амос эса Эмозиёга шундай жавоб берди:
— Менинг машғулотим пайғамбарлик эмас, пайғамбарларга шогирд ҳам
тушмаганман. Мен бир чорвадор эдим, шикамора–анжир дарахтларини* ҳам
парвариш қилардим. 15 Бир куни сурувни ҳайдаб кетаётганимда Эгамиз мени
чақириб: “Бор, халқим Исроилга башорат қил”, деб айтди. 16 Эй Эмозиё, энди
Эгамизнинг сўзларини эшит! Сен менга: “Исроил ҳақида башорат қилма, Исҳоқ
хонадонига* қарши гап гапирма”, деб айтяпсан. 17 Шу сабабдан Эгамиз шундай
демоқда:

“Сенинг хотининг шаҳарда фоҳишалик қилади,
Ўғил–қизларинг қиличдан ҳалок бўлади.
Еринг бошқаларга бўлиб берилади.
Ўзинг эса ҳаром бир юртда ўласан.
Исроил халқи ўз юртидан албатта сургун қилинади.”

8–БОБ

Етилиб пишган мевалар ҳақидаги ваҳий

1 Эгамиз Раббий менга яна ваҳий кўрсатди: бир сават етилиб пишган мевалар
бор экан. 2 Эгамиз мендан:
— Амос, нимани кўряпсан? — деб сўради.
— Бир сават етилган мевани, — деб жавоб бердим мен. Сўнг Эгамиз менга
шундай деди:

“Халқим Исроил ҳам жазо учун етилиб турибди.
Энди Мен уларга шафқат қилмайман.
3 Ўша куни Маъбаддаги ашулалар марсияга айланади,
— деб айтмоқда Эгамиз Раббий. —
Ҳамма жойда жасадлар ётади.
Сукунат босган!”

4 Эй йўқсилларни эзадиганлар, қулоқ солинглар!
Эй юртдаги камбағалларни йўқ қилганлар, эшитинглар!
5 Сизлар шундай айтасизлар:
“Янги ой шодиёнаси тезроқ тамом бўла қолса–ю,
Донни сотсак.
Шаббат куни* тезроқ ўтса–ю,
Буғдойни бозорга олиб чиқсак.
Шунда биз оғирлигини камайтириб,
Нархини оширамиз,
Тарозидан уриб, одамларни алдаймиз.
6 Буғдой чиқитларини ҳам сотиб юборамиз.
Йўқсилни бир жуфт чориққа сотиб оламиз,
Камбағални кумушга харид қиламиз.”

7 Ёқуб наслининг такаббурлигини кўриб, Эгамиз шундай деб онт ичди*:
“Уларнинг қилмишларини Мен ҳеч қачон унутмайман,
Уларни албатта жазолайман.

8 Шу сабабдан ер титрайди!
Ер юзида яшовчи ҳар бир мавжудот аза тутади!
Бутун ер юзи дарё тўлқинларидай ларзага келади,
Ҳа, Нил сувларидай кўтарилиб, пастга тушади*.”

9 Эгамиз Раббий демоқда:
“Эй Исроил халқи,
Ўша куни шундай қиламанки,
Қуёш туш пайтида ботади,
Куппа–кундузи ер юзини қоронғилик қоплайди.
10 Байрамларингиз мотамга айланади,
Ҳамма ашулаларингиз марсия бўлади.
Сизлар ҳаммаларингиз қайғудан қанорга ўранасиз,
Аза тутганингиздан сочингизни қирдирасиз*.
Ёлғиз ўғлидан жудо бўлган ота–онага ўхшаб қоласиз.
Ўша кун охирига қадар аччиқ кулфатдай бўлади.”

11 Эгамиз Раббий демоқда:
“Шундай кунлар келадики,
Мен юртга очарчилик юбораман.
Одамлар нон билан сувни эмас,
Мен, Эгангизнинг сўзини қўмсаб, оч қолишади.
12 Улар Менинг сўзимни эшитмоқчи бўлиб,
Бир денгиздан бошқа денгизгача оёғини судраб боришади,
Шимолдан шарққа йўл олишади.
У ёқдан–бу ёққа юриб, сарсон бўлишади–ю,
Аммо Мен, Эгангизнинг сўзини эшита олишмайди.
13 Ўша куни гўзал қизлару бақувват йигитлар
Ташналикдан ҳушидан кетадилар.
14 Ахир, улар Самариянинг шарманда маъбудаси* номи билан
Қасам ичиб юрибдилар,
«Эй Дан шаҳри*, худойинг шоҳид», деб айтиб юрибдилар,
«Бершебага* олиб борадиган зиёрат йўли ҳақи», деб юрибдилар.
Аммо улар йиқилиб тушадилар, қайтиб турмайдилар.”

9–БОБ

Ҳукм ҳақидаги ваҳий

1 Мен қурбонгоҳнинг* олдида турган Раббийни кўрдим, У шундай деди:

“Саждагоҳ устунқошларига шундай зарба берингларки,
Пойдеворлари ларзага келсин.
Устунқошлар одамлар устига ўпирилиб тушсин.
Омон қолганларни Мен қиличдан ўтказаман,
Улардан биронтаси ҳам қочиб кетолмайди.
Ҳеч қайсиси қутулиб қолмайди.

2 Улар ер қазиб, ўликлар диёрига* киришса ҳам,
Мен қўлимни узатиб, уларни чиқариб оламан.
Осмонга чиқиб олишса ҳам,

У ердан тортиб тушираман.
3 Кармил чўққисида яшириниб олишса ҳам,
Уларни овлаб, қўлга тушираман.
Мендан қочиб, денгиз тубига бекиниб олишса ҳам,
Денгиз илонига амр бериб чақтираман.
4 Душманлар уларни асирликка олиб кетишса ҳам,
Қиличга амр бериб, ҳаммасини қириб ташлайман.
Уларга яхшилик эмас, ёмонлик келтиришга қарор қилдим.”

5 Саррвари Олам — Раббий
Ерга қўл теккизса, ер ўпирилиб кетади,
Бутун ер юзи Нил сувларидай
Баланд кўтарилиб, пастга тушади*.
Ерда яшовчи ҳар бир мавжудот аза тутади.
6 Эгамиз осмонда Ўзига маскан қурди,
Ер узра осмон гумбазини* ўрнатди.
Денгиз сувларини йиғиб,
Ер юзига сочиб юборадиган Ўшадир.
Эгамиздир Унинг номи.

7 Эгамиз шундай демоқда:
“Эй Исроил халқи,
Сизнинг Ҳабашистонликлардан* ортиқ жойингиз бормиди?!
Мен Исроилни Мисрдан қандай олиб чиққан бўлсам,
Филист халқини ҳам худди шундай Хафтўрдан* олиб чиққанман,
Орам халқини ҳам Хирдан* олиб чиққанман.
8 Мен, Эгангиз Раббий,
Гуноҳкор Исроил шоҳлигини кузатиб турибман.
Уни ер юзидан супуриб ташлайман,
Ёқуб наслини* эса батамом йўқ қилмайман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

9 Мен амр бераман,
Шунда барча халқлар орасида,
Буғдой элагандай Исроилни ғалвирдан ўтказаман.
Яхши доннинг биронтаси ерга тушмайди.
10 Халқим орасидаги ҳамма гуноҳкорлар эса қиличдан ҳалок бўлади,
Ахир, бундай одамлар шундай айтишади:
«Кўрмаймиз биз ёмонлик,
Бошимизга тушмас бирор кўргилик.»”

Исроил шоҳлиги келажакда қайта тикланади

11-12 Эгамиз шундай демоқда:
“Ўша куни Мен Довуд шоҳлигини қайта тиклайман.
Ҳозир у қийшайиб кетган кулбадай бўлса–да,
Деворларидаги ёриқ жойларини тузатаман,
Бузилган жойларини кўтараман.
Уни қайта қуриб, илгариги ҳолатга қайтараман.
Шунда Исроил халқи эгалик қилади
Эдомликларнинг омон қолганларига,

Қўлим остидаги ҳамма халқларга.”
Эгамиз айтганларини бажо қилади.

13 Эгамиз шундай демоқда:
“Шундай вақтлар келадики,
Деҳқон ҳосилни йиғиб улгурмасдан,
Ерни шудгор қилиш вақти келади.
Шаробни тайёрлаб улгурмасдан,
Узумнинг янги ҳосили пишади.
Тоғлардан ширин шароб томади,
Ҳамма қирлардан пастга оқиб тушади.
14 Мен халқимни яна фаровонликка эриштираман*.
Улар вайрон бўлган шаҳарларни қайта қуриб,
У ерда ўрнашиб оладилар.
Узумзорлар барпо қилиб, шаробини ичадилар.
Боғлар яратиб, меваларини ейдилар.
15 Мен уларни ўз юртида кўкартираман.
Мен берган юртдан
Уларни ҳеч ким суғуриб ташламайди.”

Эгангиз Худонинг каломи шудир.

ИЗОҲЛАР

Яҳудо — мазкур китобда шимолий шоҳлик *Исроил* деган ном билан, жанубий шоҳлик эса *Яҳудо* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

1:1 *Тахува* — Яҳудо юртидаги шаҳар бўлиб, Қуддусдан қарийб 16 километр жанубда жойлашган.

1:1 *Исроил* — мазкур китобда шимолий шоҳлик *Исроил* деган ном билан, жанубий шоҳлик эса *Яҳудо* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

1:1 *зилзила* — Яҳудо шоҳи Уззиё даврида (яъни милоддан олдинги 781-740 йилларда) қаттиқ зилзила бўлгани тарихдан маълум. Бу зилзила ҳақида Закариё 14:5 да ҳам айтиб ўтилган.

1:1 *Ёҳўш* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Йўш*.

1:1 *...Уззиё...Ёрубом...* — Уззиё милоддан олдинги 781-740 йилларда, Ёрубом милоддан олдинги 783-743 йилларда ҳукмронлик қилган.

1:2 *Сион* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

1:2 *қуриб қолади* — ёки *мотам тутади*.

1:2 *Кармил* — Исроилнинг шимолида, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган тоғ. Кармил тоғи унумдорлиги ва гўзал табиати билан машҳур эди.

1:3 *Дамашқ* — Орам юртининг пойтахти.

1:3 *...улар Гилад аҳолисини темир тишли хўптир билан янчди* — донни бошоқдан ажратиш жараёни янчиш дейилади. Қадимги Яқин Шарқда бу иш дон бошоқлари устидан хўптир юргизиш орқали бажарилган (хўптир — остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта). Янчиш сўзи кўпинча Эски Аҳдда ҳукмга ёки урушда ҳалокатга дучор бўлишга нисбатан кўчма маънода ишлатилган. Бу оятда Дамашқ аҳолиси Гилад аҳолисини “темир тишли хўптир билан янчигани”, яъни ниҳоятда қаттиқ кулфатларга дучор қилгани учун Худо Дамашқликларни жазоламоқчи экани баён қилинган. Гилад Исроилнинг шимоли–шарқида жойлашган бўлиб, Орам юрти билан чегарадош ҳудуд эди. Орамнинг пойтахти Дамашқ эди. Ўша даврда Орам халқи Исроилнинг ашаддий душманларидан бири бўлиб, уларга ўтакетган ваҳшийликлар қилган эди (4 Шоҳлар 8:11-12, 10:32-33, 13:3, 22 га қаранг).

1:4 *...Хазайил...Банҳадад...* — Орамнинг икки шоҳи. Орамнинг бир нечта шоҳи Банҳадад исми билан аталган эди. Бу оятдаги Банҳадад шоҳ Хазайилнинг ўғли бўлиши мумкин (4 Шоҳлар 8:14-15, 13:3 га қаранг).

1:5 *Қабиҳлик* — ибронийча матнда *Обун*, маъноси *қабиҳлик*. Бу сўз Дамашқ шаҳри ва Орам юртига нисбатан ишлатилган ҳақоратомуз ном бўлиши мумкин.

1:5 *Байт–Эден* — ибронийчадаги маъноси *роҳат уйи*. Фурот дарёси бўйида жойлашган Орам юртидаги бир шаҳарнинг номи бўлса керак. Аммо бу ўринда Дамашқ шаҳрига нисбатан киноя сифатида ишлатилган ном бўлиши мумкин.

1:5 *салтанат ҳассаси* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг

ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

1:5 *Хир юрти* — Орам халқи келиб чиққан юрт (9:7 га қаранг). Бу юрт қаерда жойлашгани аниқ маълум эмас. Худо Орам халқини эришган ҳар бир ютуқларидан маҳрум қилади, улар яна олдингидай зулм остида қоладилар, заиф халқ бўладилар.

1:6 *Ғазо* — Филист халқи қуйидаги бешта шаҳар–давлатни барпо қилган эди: Ғазо, Ашдод, Ашқалон, Эхрон ва Гат. Бу шаҳарлар Филистияда, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди.

1:8 *ҳукмдори* — ёки *аҳолиси*.

1:9 *Тир* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар. Бу шаҳар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий ҳудудини ташкил қилади.

1:11 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди.

1:11 *қардоши Исроил халқи* — Исроил халқи Ёқубдан, Эдом халқи эса Ёқубнинг акаси Эсовдан келиб чиққан эди.

1:11 *Уларни қилич билан таъқиб қилиб…* — Мусо яшаган даврдан бошлаб, Эдом халқи Исроилга душманлик қиларди (Саҳрода 20:14-21 га қаранг).

1:12 *…Темон…Бозрах…* — Эдомга қарашли икки шаҳар.

1:13 *Оммон* — бу юрт Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган эди.

1:14 *Рабба шаҳри* — Оммон юртининг пойтахти.

2:1 *Мўаб* — бу юрт Ўлик денгизнинг шарқида жойлашган эди.

2:2 *Харийўт* — Мўаб юртидаги шаҳар. Бу шаҳар Мўаб халқининг худоси Хамўшга сажда қилиш ўчоғи бўлган.

2:7 *Ота ва ўғил битта жувон билан ётиб…* — Таврот қонунига кўра, бу қатъий ман қилинган (Левилар 20:11-12, Қонунлар 22:30, 27:20 га қаранг). Бу ўринда ота ва ўғил ўзларининг уйида яшаётган чўри қизнинг ожизлигидан фойдаланиб, уни зўрлашганига ишора бўлиши мумкин.

2:8 *…Ўзлари гаровга олган либослар устида ётибдилар* — бундай хатти–ҳаракат камбағалларнинг эҳтиёжини ва Таврот таълимотини писанд қилмасликни кўрсатади (Қонунлар 24:12-13, 17 га қаранг).

2:9 *Амор халқлари* — бу ўринда умумий ном бўлиб, бу ном остида Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган жамики халқлар назарда тутилган.

2:11 *Менга бағишланинглар* — ибронийча матнда алоҳида бир сўз ишлатилган бўлиб, бу сўз Худога хизмат қилиш учун махсус ваъда берган одамни билдиради. Баъзи инсонлар махсус ваъда бериб, ўзларини бирмунча вақт Худонинг хизматига бағишлар эдилар. Баъзи бировлар эса туғилган пайтлариданоқ шундай ваъда орқали Худога бағишланганлар. Таврот қонунига кўра, ўзини Худога бутунлай бағишлаб назр қилган одам шароб ёки ўткир ичимлик ичмаслиги, сочини олдирмаслиги, мурдага тегмаслиги керак эди (Саҳрода 6:1-8, 21 га қаранг). Ибронийча матнда шу маънодаги сўз мазкур бобнинг 12–оятида ҳам бор.

2:12 *…Менга бағишланганларга шароб ичирдингиз…* — Тавротга кўра, ўзини Худога назр сифатида бағишлаган одам шароб ёки ўткир ичимлик ичиши мумкин

эмасди (шу бобнинг 11–ояти изоҳига қаранг).

3:9 *Ашдод* — 1:6 изоҳига қаранг.

3:9 *Самария* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти.

3:11 *Душман* — ибронийча матнда *Буюк шоҳ*. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурия шоҳи Шалманасар Исроилга, яъни шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, пойтахти Самарияни забт этди. Сўнг Исроил халқининг аксарият қисмини Оссурияга сургун қилди (4 Шоҳлар 17:1-6 га қаранг). Шундай қилиб, шимолий шоҳлик таг–томири билан йўқ бўлиб кетди.

3:12 *Арслоннинг оғзидан…қолади, холос* — қўйни бирорта йиртқич ҳайвон бўғизлаб кетганда, бунинг ҳақиқатлигини исботлаш учун чўпон қўй мурдасининг қолган–қутганини қўйнинг эгасига кўрсатар эди (Ибтидо 31:39, Чиқиш 22:10-13 га қаранг). Бу оятда Самария шаҳри бўғизланган қўзичоққа ўхшатилган. Самария босқинчилар ҳужумидан вайрон бўлади. Матнда айтиб ўтилган ташландиқ супалар, курси парчалари олдин Самарияда роҳат–фароғатда яшаган бойларни Худо гуноҳлари учун ҳукм қилганининг далилидир (шу бобнинг 6-8–оятларига ва 6:4-6 га қаранг).

3:13 *Ёқуб насли* — Худо Ёқубнинг исмини Исроил деб ўзгартирган (Ибтидо 32:27-28 га қаранг), шунинг учун кўпинча Ёқуб насли деганда Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолиси назарда тутилади.

3:14 *Байтил* — ибронийчадаги маъноси *Худонинг уйи*. Аммо Исроил халқи Байтилни бутпарастлик ўчоғига айлантирган эди (7:13 га ва 3 Шоҳлар 12:28-33, 4 Шоҳлар 10:29 га қаранг).

3:14 *Қурбонгоҳнинг шохлари кесилиб, ерга тушиб ётади* — Байтилдаги қурбонгоҳ Қуддусдаги қурбонгоҳга ўхшатиб ясалган бўлиб, унинг тўртта бурчаги ҳайвон шохининг шаклида эди. Қурбонгоҳнинг шохлари куч ва мадад рамзи бўлган.

4:1 *Самария* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти.

4:1 *Башан* — Жалила кўлининг шимоли–шарқида жойлашган бўлиб, ўзининг кўм–кўк яйловлари ва наслдор, соғлом чорваси билан машҳур эди.

4:1 *Сизлар…семириб кетгансиз…* — Қонунлар 32:15 га қаранг.

4:3 *Хермон томон* — ибронийча матнда *Хармон томон*. Хармон деган жой ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Хармон Хермон тоғининг бошқа бир номи бўлиши мумкин. Хермон тоғи Самария шаҳрининг шимоли–шарқида, Оссурия юрти томонда бўлган.

4:3 *Итариб–итариб сизларни Хермон томон олиб кетишади…* — ибронийча матнда *Сизларни Хермон томон улоқтиришади…*. Самария халқининг тўсатдан, зўравонлик билан олиб кетилишига ишора.

4:4 *Байтил* — 3:14 нинг биринчи изоҳига қаранг.

4:4 *Гилгалда гуноҳларингизни кўпайтиринг!* — Исроил халқи Гилгалда бутларга сажда қилиш учун саждагоҳ қурган эди (Хўшея 4:15, 9:15 га қаранг).

4:4 *Саҳарда…* — ёки *Ҳар куни тонгда…*. Бу ҳолатда киноя оҳангда бўрттириб гапириш англашилади. Эҳтимол, зиёратчилар саждагоҳга келганларидан кейин, эртаси куни тонгда қурбонлик келтирганлар, учинчи куни эса ушрларини берганлар.

4:4 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми.

4:9 *Чигирткалар* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот.

4:10 *фалокат* — Чиқиш 12:29-30 га қаранг.

4:11 *Садўм ва Ғамўра* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

5:5 *Байтил* — 3:14 нинг биринчи изоҳига қаранг.

5:5 *Гилгал* — 4:4 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

5:5 *Бершеба* — бу шаҳар Яҳудода, яъни жанубий шоҳликда жойлашган. Бершебада бир саждагоҳ бор эди. Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолиси ҳам зиёрат қилгани шу саждагоҳга келарди (8:14 га ва 4 Шоҳлар 23:8 га қаранг).

5:6 *Юсуф хонадони* — Исроил, яъни шимолий шоҳлик назарда тутилган. Шимолий шоҳликнинг иккита асосий қабиласи — Эфрайим ва Манаше қабилалари Юсуфдан келиб чиққан эдилар.

5:8 *Парвин* — кичкина, ёрқин бурж. Парвин “Етти опа–сингил” деган ном билан ҳам танилган (юнон мифологиясига кўра, булар Атласнинг етти қизи бўлган).

5:8 *Ҳулкар* — катта бурж бўлиб, бурждаги юлдузларнинг жойлашуви овчи шаклини ҳосил қилади. Ҳулкар Орион номи билан ҳам танилган. Юнон мифологиясига кўра, Орион овчи бўлган.

5:15 *Маҳкамалар* — ибронийча матнда *Дарвоза*. Қадимги пайтларда суд кенгаши кўпинча шаҳар, сарой ёки маъбад дарвозаси олдидаги очиқ майдонда ўтказиларди.

5:15 *Юсуф насли* — шу бобнинг 6–ояти изоҳига қаранг.

5:16 *…Марсия айтадиган йиғичи аёллар ёлланади* — қадимги Исроилда баъзан дафн маросимлари пайтида дод–фарёд қилиб, айтиб йиғлаш учун йиғичилар ёлланарди.

5:18 *Эгамизнинг куни* — Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бир неча марта учрайдиган ибора. Кўпинча бу ибора Худо берадиган жазога ишора қилади. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

5:26-27 *…Сиккут…Кивун…* — ибронийча матндан. Қадимий юнонча таржимада *…Мўлах…Райфон….* Сиккут ва Кивун Оссурия халқи сажда қилган худолар бўлган.

5:26-27 *Дамашқ ортидаги юрт* — 3:11 изоҳига қаранг.

6:1 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

6:1 *Самария тоғи* — Исроил, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти Самария назарда тутилган. Бу шаҳар ҳам, қадимдаги кўп шаҳарлар сингари, душманлар ҳужумига қарши тура олиши учун тепалик устида қурилган.

6:2 *Калней…Хомат…Гат…* — Исроил юртининг шимол ва ғарб томонида жойлашган кучли шаҳар–давлатлар.

6:2 *Сизларнинг…каттароқмиди?!* — ёки *Бу шоҳликларнинг Исроил ва Яҳудодан афзалроқ жойи бормиди?! Ёки уларнинг ери сизларникидан каттароқмиди?!* Бу ҳолатда мазкур оятдаги сўзлар Исроил ва Яҳудо йўлбошчилари томонидан ўз халқига такаббурлик билан айтган сўзлар бўлади. Аммо бу ўриндаги сўзлар

шундай маънода ишлатилгани эҳтимолдан узоқ.

6:4 *...фил суягидан ясалган супалар...Курсилар...* — қадимий Исроилда бундай жиҳозлар фақатгина бой одамларда бўлган.

6:6 *Юсуф насли* — 5:6 изоҳига қаранг.

6:8 *Ёқуб насли* — 3:13 изоҳига қаранг.

6:8 *душман* — 3:11 изоҳига қаранг.

6:10 *Жим!* — мазкур парчада тасвирланган даҳшатли жазодан кейин одамлар Худонинг номини ҳатто тилга олишга ҳам қўрқадиган бўлиб қоладилар. Худонинг номини тилга олсак, бошимизга янада кўпроқ жазо келади, деган фикр ўша қўрқувнинг сабаби бўлиши мумкин. Яна Зафаниё 1:7 га қаранг.

6:12 *Денгиз* — ёки *Ўша ер*.

6:13 *Лўдавор шаҳри* — ибронийчадаги *ҳеч нарса* сўзига оҳангдош. Бу шаҳар Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

6:13 *Карнайим шаҳри* — ибронийчадаги маъноси *икки шох*. Буқанинг шохлари ҳарбий кучнинг рамзи эди. Карнайим шаҳри Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган.

6:14 *Лево–Хомат* — ёки *Хомат довони*.

6:14 *Арабадаги сойликкача* — Араба умумий географик ном бўлиб, бу оятда Ўлик денгизнинг жануб томонига нисбатан ишлатилган. Бу ўринда тилга олинган сойлик Ўлик денгизнинг жанубий қирғоғидаги Зарад сойлиги бўлса керак. Ўша пайтда бу сойлик Ўлик денгизнинг шарқ томонидаги Исроилнинг энг жанубий чегараси бўлган.

7:1 *...иккинчи экинлар униб чиқа бошлабди* — иккинчи ҳосил баҳорги ёмғирлардан кейин униб чиқарди. Шундан кейин қурғоқчилик бошланиб, ҳеч нарса ўсмас эди. Иккинчи экинларни чигирткалар нобуд қилиши оқибатида оғир қаҳатчилик юз бериши муқаррар эди.

7:1 *чигирткалар* — 4:9 изоҳига қаранг.

7:2 *Ёқуб насли* — 3:13 изоҳига қаранг.

7:4 *...олов билан...* — Қонунлар 32:22 га қаранг.

7:4 *буюк денгиз* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди (Забур 17:16 га қаранг).

7:7 *шоқул* — бинокорликда девор, устун ва шу кабиларнинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига оғирлик боғланган ипдан иборат асбоб.

7:9 *Исҳоқ насли* — Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолиси назарда тутилган. Худо Исҳоқ ўғли Ёқубнинг исмини ўзгартириб, унга Исроил деб ном берган эди.

7:9 *саждагоҳ* — ибронийча матнда *бамах*, яъни “тепалик”. Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди.

7:9 *Ёрубом* — 1:1 га ва ўша оятнинг охирги изоҳига қаранг.

7:9 *...Ёрубом хонадонига қилич билан ҳужум қиламан* — Ёрубомнинг ўғли Закариё

ўлдирилганига ишора (4 Шоҳлар 15:8-10 га қаранг).

7:10 *Байтил* — 3:14 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:14 *шикамора–анжир дарахтлари* — анжирнинг қадимги Яқин Шарқда кенг тарқалган бир тури. Катталиги ёнғоқ дарахтидай, барглари эса тут баргларига ўхшаш бўлиб, йил давомида бир неча бор ҳосил берадиган серсоя дарахт.

7:16 *Исҳоқ хонадони* — шу бобнинг 9–оятига қаранг.

8:5 *...Янги ой шодиёнаси...Шаббат куни...* — Худога бағишланган алоҳида бир кунлар. Тавротга кўра, бу кунларда ишлаш ман этилган. Улар мана шу диний кунларга чиқарилган қоидаларга риоя қилардилар, аммо ишлашга рухсат бериладиган кунларда эса одамларни алдаб, фирибгарлик қилардилар. Шундай қилиб уларнинг иккиюзламачилиги аниқ кўриниб турарди.

8:7 *Ёқуб наслининг такаббурлигини кўриб, Эгамиз шундай деб онт ичди...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ёқубнинг фахри ҳақи Эгамиз шундай деб онт ичди*.... Қадимги Исроилда одамлар онт ичганларида қадрли ёки ўзгармас нарсалар номини ўртага қўйиб қасам ичардилар. Бу ўринда *Ёқубнинг фахри* ибораси Худонинг унвони бўлиб, Худо шу унвонни ўртага қўйиб қасам ичяпти, деб тушунса бўлади. Ёки бу ибора Исроил юртини билдириб, Худо Исроил юртини ўртага қўйиб қасам ичяпти, деб тушунса ҳам бўлади, чунки бу юрт Исроил халқининг қадрли мулки эди. Аммо бу ўринда Амос киноя қилиб, Худо Исроилнинг ўзгармас такаббурлиги билан қасам ичяпти, деб айтаётганининг эҳтимоли кўпроқ (6:1-8 га қаранг).

8:8 *...Нил сувларидай кўтарилиб, пастга тушади* — ҳар йилги ёмғир мавсумида Нил дарёси сувлари баъзан 8 метргача кўтарилган. Бунинг оқибатида Мисрнинг дарё бўйидаги жойларини сув босган. Амос олдини олиб бўлмайдиган бу табиий ҳодисани мажозий маънода ишлатиб, Худо Исроил халқининг бошига келтирадиган жазога ишора қилган (яна 9:5-6 га қаранг).

8:10 *...қайғудан қаноргa ўранасиз, Аза тутганингиздан сочингизни қирдирасиз* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қаноргa ўраниб олиш ва сочни қириш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

8:14 *Самариянинг шарманда маъбудаси* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти Самарияда одамлар сажда қилган бутлар — Баал ва Ашера назарда тутилган.

8:14 *Дан шаҳри* — Исроилнинг шимолида жойлашган бўлиб, бутпарастлик ўчоғи эди (3 Шоҳлар 12:28-33, 4 Шоҳлар 10:29 га қаранг).

8:14 *Бершеба* — 5:5 нинг охирги изоҳига қаранг.

9:1 *қурбонгоҳ* — Байтил саждагоҳидаги қурбонгоҳ назарда тутилган бўлиши мумкин (7:13 га қаранг).

9:2 *ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

9:5 *...Нил сувларидай Баланд кўтарилиб, пастга тушади* — 8:8 изоҳига қаранг.

9:6 *осмон гумбази* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, осмон гумбазга ўхшайди ва ер остидаги тубсизликнинг пойдеворига ўрнатилган улкан устунларга таянади.

9:7 *Ҳабашистонликлар* — ибронийча матнда *Кушликлар*. Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз

ичига олган эди. Бу жойлар Қуддусдан узоқда бўлгани боис, Исроил халқи уларни Худо учун аҳамиятсиз деб билган.

9:7 *Хафтўр* — Крит номи билан ҳам маълум. Филист халқининг аждодлари Крит оролидан келган эдилар. Филист халқи Исроилнинг душмани бўлиб, ғарбда истиқомат қилган.

9:7 *Хир* — қаерда жойлашгани аниқ маълум эмас. Орам халқи Исроилнинг душмани бўлиб, шимоли–шарқ томонда истиқомат қилган.

9:8 *Ёқуб насли* — 3:13 изоҳига қаранг.

9:14 *Мен халқимни яна фаровонликка эриштираман* — ёки *Мен халқимни асирликдан озод қилиб, она юртига қайтариб олиб келаман*.

ОБОДИЁ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Мазкур китоб муаллифи Ободиё пайғамбар Эдом юрти ҳақида башорат қилади. Эдом халқи муттасил тарзда Худонинг танланган халқига душманлик қилиб келгани учун, Ободиё Эдом юртининг батамом вайрон бўлишини эълон қилади. Мазкур китоб Муқаддас Китоб таркибидаги энг қисқаси бўлишига қарамай, Худонинг аёвсиз ҳукмидан хабар беради.

Бобилликлар милоддан олдинги 605-586 йиллар мобайнида Қуддусга бир неча марта ҳужум қилиб, шаҳарни забт этишади. Улар Яҳудо халқини Бобилга сургун қилишади. Ободиё пайғамбар ушбу китобини ўша мудҳиш даврда, илк сургун йилларида ёзади. Ўлик денгизнинг жанубидаги тоғли ҳудудда яшаган Эдом халқи Қуддус қулаганидан севинади. Яҳудо халқининг бошига тушган бу фалокатдан улар нафақат хурсанд бўлишади, балки шаҳарни талашади, босқинчиларга ёрдам беришади. Худо Эдом халқини шу қилмиши учун жазолайди, улар қаторида бошқа халқларни ҳам ҳукм қилади.

Ободиё бу хабарни Яҳудо халқининг келажакдаги ғалабалари билан якунлаб, асирликдан қайтиб келадиган Худонинг халқи Эдом юртига ҳукмронлик қилишини айтади.

Ободиё китоби жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

1–БОБ

[1] Қуйидагилар Ободиёнинг башоратидир.

Эгамиз Эдом халқини жазолайди

Эгамиз барча халқларга жарчи юборди,
Бизга шундай хабар етиб келди:
“Тайёрланинглар! Қани, келинглар,
Эдомга* қарши урушга борайлик!”

Эдом халқи ҳақида Эгамиз Раббий қуйидагиларни айтмоқда:

[2] “Эй Эдом халқи, халқларнинг орасида
Мен энг арзимаси қилиб қўяман сизни,
Ҳамма сизлардан нафратланади.
[3] Такаббурлигингиз сизларни алдади.
Қоядаги* қўрғондир пойтахтингиз,
Баланд тепаликдадир уйларингиз,
Шунинг учун айтасиз ўзингизча:
«Ким бизларни тушира олар ерга?!»
[4] Бургутдай баланд парвоз қилсангиз ҳам,
Инингиз юлдузлар орасида бўлса ҳам,
Сизларни у ердан тортиб тушираман,
— деб айтмоқда Эгамиз. —

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

5 Уйингизга ўғри тушса,
Кечаси босқинчилар келса,
Фақат хоҳлаган нарсасини олади–ку!
Боғингизда узум терган одамлар
Бир–икки бош бўлса–да, узум қолдиради–ку!
Душманларингиз эса сизни тамоман йўқ қилади!
6 Эй Эсовнинг авлоди* — Эдом,
Ёвлар ҳамма нарсангизни талон–тарож қилишар,
Қадрли буюмларингизни топиб, тортиб олишар.
7 Барча иттифоқчиларингиз сизга қарши чиқиб,
Сизни ўз юртингиздан ҳайдаб юборар.
Тинчлик ваъда қилиб алдайди улар,
Аммо сизларни мағлуб қиларлар.
Сизларга тузоқ қўяр нонингизни еганлар.
Сизлар эса буни билмай қоласизлар.”

8 Эгамиз шундай айтмоқда:
“Эй Эдом халқи, ҳукм қилинадиган кунда,
Мен донишмандларингни ҳалок қиларман,
Эсов тоғидаги* ақл–идроклиларин йўқ қиларман.
9 Эй Темон шаҳри*, жангчиларинг даҳшатга тушар,
Эсов тоғидаги ҳар бир инсон йўқ қилинар.

Эдом халқининг жазоланиши сабаблари

10 Сизлар қондошингиз Ёқуб авлодига* зулм қилиб,
Уларни ўлдирдингиз.
Шу боис то абад шарманда бўлиб,
Бутунлай ҳалок бўласиз.
11 Уларнинг бойликларин бегоналар олиб кетган кун
Сизлар бир четда қараб турдингиз.
Ёт халқлар Қуддус шаҳрига кириб*,
Шаҳар учун қуръа ташлаганларида,
Сизлар ҳам улар каби ёвуз ишлар қилдингиз.
12 Қондошларингизга келган бахтсизликни кўриб,
Хушнуд бўлмаслигингиз керак эди.
Яҳудо халқи* хароб бўлган кун
Севинмаслигингиз керак эди.
Бошларига тушган кулфатни кўриб,
Мазах қилмаслигингиз керак эди.
13 Менинг халқимга фалокат келган куни
Шаҳар дарвозаларидан кирмаслигингиз керак эди.
Яҳудо халқининг бошига фалокат тушган куни,
Хушнуд бўлганларга қўшилмаслигингиз керак эди.
Уларнинг бошига фалокат тушган куни,
Буюмларини ўлжага олмаслигингиз керак эди.
14 Қочиб кетаётганларни кутиб чорраҳаларда,
Пистирмалар қўймаслигингиз керак эди.
Ўша кулфат куни тирик қолганларни
Душман қўлига бермаслигингиз керак эди.

Эгамиз барча халқларни жазолайди

15 Мен, Эгангиз, барча халқларни ҳукм қиладиган кун* яқинлашиб қолди.
Эй Эдом халқи! Нима қилган бўлсангиз бошқаларга,
Ўзингиз ҳам тушарсиз ўша кўйга,
Қилмишларингиз қайтар ўз бошингизга.

16 Эй Яҳудо халқи*, муқаддас тоғимда*
Ғазаб шаробин* ичиб бўлдингиз.
Шу сингари, барча халқлар ҳам
Бу шаробдан тўхтамасдан ичарлар.
Ҳеч қачон ер юзига келмаган каби,
Ичиб–ичиб, йўқ бўлиб кетарлар.

Исроил ғалаба қилади

17 Лекин Сион тоғида нажот топарлар
Исроил халқининг* омон қолганлари.
Бу тоғ муқаддас бўлар.
Ёқуб насли ҳайдаб чиқарар ёвларини,
Унинг мулкини тортиб олганларни
Ва яна эгаллар ўз ерларини.
18 Ёқуб авлоди бўлар оловдай,
Юсуфнинг авлоди* бир алангадай.
Эсовнинг авлоди эса
Бўлиб қолар қуруқ поядай.
Менинг халқим Исроил
Эсовнинг авлодини ёндирар,
Ёндириб, уларни йўқ қилар.
Эсов авлодидан тирик қолмас ҳеч бири.”
Зотан, бу сўзларни Эгамиз айтди.

19 Исроил халқининг Нагав чўлида яшайдиганлари Эсов тоғини эгаллаб оладилар*, Яҳудо қир этакларида* яшайдиганлари эса Филистларнинг ерларига* эгалик қиладилар. Исроил халқи Эфрайим ерларини ва Самария шаҳрини қўлга киритади, Бенямин авлоди эса Гиладга* эгалик қилади. 20 Шимолий Исроилдан асирликка олиб кетилганлар* қайтиб келади. Улар шимолдаги Зорафат шаҳригача* бўлган Финикия ерларини оладилар. Қуддусдан Сафарадга* асирликка олиб кетилганлар* эса Нагав чўлидаги шаҳарларни қўлга киритадилар. 21 Ғолиблар Сион тоғига чиқадилар. Ўша ерда туриб, Эсов тоғи устидан ҳукмронлик қиладилар. Эгамизнинг Ўзи Шоҳ бўлади.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Эдом* — бу юрт Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган эди. Эдом халқи азалдан Исроил халқининг душмани бўлиб келган эди. Бобилликлар Қуддусни вайрон қилганларида, улар Бобилликларга ёрдам берган эдилар (Забур 136:7, Ҳизқиёл 35:5 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭДОМ сўзига қаранг.

1:3 *Қоя* — ибронийча матнда бу сўз Эдом юртининг пойтахти бўлган *Села* номига оҳангдош. Села шаҳри баланд, ясси тоғда жойлашган эди.

1:6 *Эсовнинг авлоди* — шу китобнинг 10–ояти изоҳига қаранг.

1:8 *Эсов тоғи* — Эдом юртига нисбатан қўлланган шеърий усул. Бу юрт тоғли юрт эди (яна шу китобнинг 6–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

1:9 *Темон шаҳри* — Эдом юртининг шимолий қисмидаги муҳим шаҳар.

1:10 *қондошингиз Ёқуб авлоди* — Исроил халқи Ёқубдан, Эдом халқи эса Ёқубнинг акаси Эсовдан келиб чиққан эди.

1:11 *Ёт халқлар Қуддус шаҳрига кириб…* — милоддан олдинги 586 йилда Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг).

1:12 *Яҳудо халқи* — жанубий шоҳлик назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:15 *Мен…барча халқларни ҳукм қиладиган кун…* — Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бу кун ҳақида бир неча марта сўз юритилган. Кўпинча бу ибора Худо берадиган жазога ишора қилади. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

1:16 *Эй Яҳудо халқи…* — ибронийча матнда *Сизлар*…. Шароб ичиш одатда Худо ҳукмининг рамзи сифатида ишлатилгани боис, бу ўринда Ободиё Яҳудо халқини назарда тутган бўлса керак (Ишаё 51:17-23 га қаранг). Борди–ю, муаллиф Эдом халқини назарда тутган бўлса, шароб ичишни икки маънода талқин қилиш мумкин. Биринчиси — Эдом халқи Қуддуснинг қулашини байрам қилганини кўрсатади (шу китобнинг 11-12–оятларига қаранг). Иккинчиси — Худо Эдом халқини ва бошқа халқларни ҳукм қилишини кўрсатади (Еремиё 25:17-29 га қаранг).

1:16 *муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

1:16 *Ғазаб шароби* — Худо ғазабининг рамзи бўлган шароб косасига ишора. Мана шу шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради.

1:17 *Исроил халқи* — бу ўринда Ободиё Худонинг халқига тегишли бўлган, қайта тикланган ва бирлашган жанубий ва шимолий шоҳликларга ишора қиляпти (бу оятда Ёқуб насли ибораси остида Худонинг халқи назарда тутилган). Ҳизқиёл 37:15-28 га қаранг.

1:18 *Ёқуб авлоди…Юсуфнинг авлоди…* — Исроил халқига ишора. Шу китобнинг 17–ояти изоҳига қаранг.

1:19 *…эгаллаб оладилар…* — шу китобнинг 19-21–оятларида Исроил халқи ўз юртини қайта эгаллаши ва уни кенгайтириши ҳақида сўз юритилган. Қонунлар 30:1-5 га қаранг.

1:19 *…Нагав чўли…Яҳудо қир этаклари…* — Нагав чўли ҳозирги Исроилнинг жанубида, яъни Ўлик денгизнинг жануби–ғарбида, Яҳудо қирлари эса Яҳудо юртининг ғарбида жойлашган эди.

1:19 *Филистларнинг ерлари* — Исроил юртидан ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

1:19 *Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ўлка.

1:20 *Шимолий Исроилдан асирликка олиб кетилганлар…* — милоддан олдинги 722 йилда Оссурия шоҳи Шалманасар Исроилга, яъни шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, пойтахти Самарияни забт этди. Сўнг Исроил халқининг аксарият қисмини Оссурияга сургун қилди (4 Шоҳлар 17:1-6 га қаранг).

1:20 *Зорафат шаҳри* — Финикияга қарашли шаҳар бўлиб, Ўрта ер денгизи бўйида, Сидондан қарийб 15 километр жанубда жойлашган эди.

1:20 *Сафарад* — бу ном Сардисга нисбатан ишлатилаётган бўлиши мумкин. Сардис ҳозирги Туркиянинг ғарбида жойлашган эди.

1:20 *Қуддусдан…асирликка олиб кетилганлар…* — шу китобнинг 11–ояти изоҳига қаранг.

ЮНУС
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Мазкур китоб Юнус пайғамбарнинг номи билан аталган. Юнус пайғамбар Амос ва Хўшея пайғамбарларнинг замондоши бўлиб, тахминан милоддан олдинги 800-750 йилларда — Исроил халқи Оссурияга сургун қилинишидан олдин фаолият кўрсатган.

Юнус китоби бошқа пайғамбарларнинг китобларидан фарқ қилади. Фарқи шундаки, китобда Юнус пайғамбарнинг Худодан қочиб юргани баён қилинади. Худо Юнусни йўқ қилинишга маҳкум этилган Найнаво шаҳрига* аҳолисини тавбага чақириш учун юборади. Аммо Юнус у ерга боришдан бош тортиб, Худога итоатсизлик қилади. Юнус ҳатто шаҳарнинг вайрон бўлишини истайди. Чунки Найнаво Исроилнинг ашаддий душмани Оссуриянинг пойтахти эди. Лекин Худо Юнусни тўғри йўлга солади. Шундан кейин Юнус Найнавога бориб, Эгамизнинг амрини бажаради.

Кўпчилик Юнус китобини ўқиганда, эътиборини асосан баҳайбат балиқ Юнусни ютиб юборганига қаратади. Лекин бу китобнинг вазифаси Эгамиз ҳамма халқларга шафқатли ва меҳрибон эканини кўрсатишдан иборат.

1–БОБ

Юнус Эгамизга итоат этмади

1 Бир куни Амитай ўғли Юнусга Эгамиз шу сўзларни аён қилди: 2 “Қани, бўл, қудратли Найнаво шаҳрига* бор. Жар солиб, у ердагиларни огоҳлантир, чунки шаҳар аҳли қилган қабиҳликлар Менга етиб келди.”

3 Юнус йўлга тушди, лекин Эгамиздан қочиб бошқа томонга кетмоқчи бўлди. У Яффага* келиб, у ерда Таршишга* борадиган кемани топди. Йўл ҳақини тўлади–да, Эгамиздан қочиб Таршишга сузиб кетгани кемачилар билан кемага чиқди.

4 Аммо Эгамиз шундай кучли шамол қўзғатдики, денгизда даҳшатли бўрон бошланди. Бўрон кемани парчалаб юборай дерди. 5 Бундан кемачилар ваҳимага тушиб, ҳар бири ўз худосига ёлворди. Кейин, кема енгиллашсин деб, у ердаги юкларни денгизга улоқтира бошладилар. Юнус эса кеманинг ичкарисига кириб, қаттиқ уйқуга кетган эди. 6 Бир пайт кема дарғаси Юнуснинг ёнига келиб: “Нега сен ухлаб ётибсан? Тур, худойингга ёлвор! Балки у бизларни эсласа, ҳалок бўлмасмиз”, деди.

7 Кемадагилар эса бир–бирларига: “Келинглар, қуръа ташлайлик*, шунда бу фалокат ким сабабли бошимизга келганини биламиз”, дедилар. Қуръа ташлаган эдилар, қуръа Юнусга тушди.

8 Кейин Юнусдан сўрадилар: “Бизга айт–чи, нима сабабдан бошимизга бу фалокат тушди? Сен кимсан? Қаердан келяпсан? Қайси юртдансан? Қанақа халқдансан?”

9 Юнус уларга шундай жавоб берди: “Мен ибронийман, денгиз ва қуруқликни яратган Самовий Худо — Эгамга сиғинаман.”

10 Улар Юнуснинг Эгамиздан қочиб кетаётганини билардилар. Чунки

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Юнуснинг ўзи бу ҳақда уларга айтган эди. Улар бу гапни эшитиб, яна ҳам қаттиқроқ даҳшатга тушдилар ва унга: “Нега бундай қилдинг–а?!” дедилар.
11 Кемадагилар Юнусга: “Денгиз тинчланиши учун сени нима қилсак экан–а?” деб сўрадилар. Чунки денгиз янада ваҳима билан тўлқинланарди.
12 Шунда Юнус кемадагиларга деди: “Мени олиб, денгизга улоқтирсангизлар, денгиз тинчланади. Биламан, бу кучли бўрон мен туфайли бошларингизга келган.”
13 Кемадагилар эса кемани қуруқликка олиб бормоқчи бўлиб роса эшкак эшдилар, аммо бунга муваффақ бўла олмадилар, чунки денгиз уларга қарши баттар қутураётган эди. 14 Шунда улар Эгамизга ёлвордилар: “Эй Эгамиз! Сен Ўзингга маъқул бўлганини қилиб, бизни шу аҳволга солдинг. Эй Эгамиз! Сенга илтижо қиламиз: шу одамнинг жони учун бизларни ҳалок қилма, бегуноҳ одамнинг ўлимига бизларни жавобгар қилма.”
15 Шундан кейин Юнусни олиб денгизга улоқтирган эдилар, денгиз тинчланиб қолди. 16 Бу воқеани одамлар кўргач, Эгамиздан қаттиқ қўрқдилар. Унга қурбонлик қилиб, назр атадилар.

2–БОБ

Юнус балиқ қорнида ибодат қилади

1 Юнусни ютсин деб, Эгамиз наҳанг балиқни юборди. Юнус уч кечаю уч кундуз балиқ қорнида қолди.
2 Юнус балиқнинг қорнида экан, ўзининг Эгаси Худога шундай деб ибодат қилди:

3 “Эй Эгам, қайғули дамларимда
Сенга қилдим илтижо,
Илтижоларимни Сен эшитдинг.
Ўликлар диёрининг* қаъридан фарёд кўтардим,
Сен эшитдинг овозларимни.
4 Мени отгандинг тубсиз чуқурга,
Денгиз бағрига,
Мени қуршаб олганди сувнинг гирдоби.
Сенинг тўлқинларинг
Ўтгандилар устимдан босиб.
5 Сенинг ҳузурингдан
Қувилганман, дедим ўшанда,
Лекин муқаддас Маъбадингни
Яна кўраман!
6 Сувлар мени бўғзимгача кўмганди,
Тубсиз денгиз атрофимни ўради.
Денгиз ўтлари бошимга ўралиб қолди.
7 Тоғларнинг тубига* чўккандим —
Занжирлари билан то абад менга тўсиқ қўйган жойга*.
Сен эса, эй Эгам Худо,
Жонимни ўша жойдан қутқардинг!
8 Эй Эгам, ҳаётим онлари тугай деганда,
Мен Сени эсладим.
Илтижоларим Сенгача,

Муқаддас Маъбадинггача етиб борди.
9 Сохта, бемаъни бутларга сиғинадиганлар
Сенга бўлган садоқатидан воз кечдилар!
10 Мен эса шукрона айтиб,
Сенга қурбонлик келтираман.
Атаган назрларимни адо этаман.
Эй Эгам, нажот фақат Сендандир!”

11 Эгамиз шундан кейин наҳанг балиққа амр берган эди, наҳанг балиқ Юнусни қуруқликка чиқариб қўйди.

3–БОБ

Юнус Найнаво аҳолисини тавбага чақиради

1 Юнусга Эгамиз иккинчи марта шу сўзларни аён қилди: 2 “Қани, бўл, қудратли Найнаво шаҳрига* бориб, Менинг сўзларимни жар солиб у ердагиларга эълон қил.”

3 Юнус Эгамизнинг амрига бўйсуниб, Найнаво томонга кетди. Найнаво жуда катта шаҳар бўлиб, уни айланиб чиқишга уч кун вақт кетарди. 4 Юнус шаҳар бўйлаб бир кун йўл юриб ўтди. У айланиб юриб: “Яна қирқ кундан кейин Найнаво хароб бўлади”, деб жар солди.

5 Найнаволиклар Худога ишониб, рўза тутамиз, деб эълон қилдилар. Шаҳардаги каттаю кичик тавба қилиб қаноргa ўранди*.

6 Бу хабар Найнаво шоҳига ҳам етиб борди. У тахтдан тушиб, шоҳона либосларини ечди, қаноргa ўраниб, кулга ўтирди. 7 Ўзи ва амалдорлари номидан бутун Найнаво бўйлаб қуйидаги фармонни эълон қилди: “На инсонлар, на ҳайвонлар — мол–қўйлар ҳеч нарса емасин, сув ичмасин. 8 Инсонлар ҳам, ҳайвонлар ҳам қаноргa ўрансин. Ҳар ким Худога ялиниб илтижо қилсин, ёвуз қилмишидан қайтсин, зулм қилмасин. 9 Ким билади, балки Худо раҳм қилиб, бизга бўлган ғазабини қайтарар, биз ҳалок бўлмасмиз.”

10 Худо уларнинг қилган ишларини, ёвуз қилмишларидан қайтганини кўриб, раҳм қилди ва уларнинг устига “юбораман”, деб айтган офатни юбормади.

4–БОБ

Юнуснинг ғазаби ва Худонинг шафқати

1 Бу воқеадан Юнус қаттиқ хафа бўлиб ғазабланди. 2 У Эгамизга ибодат қилиб деди: “Эй Эгам! Шунақа қилишингни ўз юртимда эканимдаёқ айтмаганмидим?! Шунинг учун мен Таршишга қочган эдим–да. Сен иноятли, раҳмдил, жаҳли тез чиқмайдиган, содиқ севгиси мўл, ғазабидан тушиб кечирадиган Худо эканлигингни билган эдим. 3 Энди, илтижо қиламан, Эгам, жонимни олиб қўя қол. Яшаганимдан кўра, ўлганим яхшироқ.”

4 Эгамиз эса: “Наҳотки шундан сен хафа бўлдинг?!” деди.

5 Юнус шаҳардан чиқиб, шаҳарнинг шарқ томонига бориб ўтирди. Шу ерда чайла ясаб, энди шаҳарга нима бўларкин, деб чайланинг соясида кутиб ўтирди.

6 Бир пайт, Юнуснинг бошига соя бўлсин, қайғуси барҳам топсин деб, Парвардигор Эгамиз бир ўсимлик ўстирди. Ўсимлик Юнуснинг тепасида кўтарилди. Юнус бу ўсимлик ўсганидан жуда хурсанд бўлди. 7 Кейинги куни эса тонг пайтида Худо бир қуртни юборган эди, қурт ўсимликни кемириб қуритди.

8 Қуёш юқорига кўтарилганда, Худо шарқдан гармсел* юборди. Қуёш Юнуснинг
бошини шундай қиздирдики, у ҳолдан кета бошлади. Юнус: “Бунақа
яшаганимдан, ўлганим яхшироқ”, деб ўзига ўлим тилади*.
9 Худо Юнусга:
— Битта ўсимлик нобуд бўлганидан жаҳлинг чиқдими? — деди.
— Ҳа, жаҳлим чиқди, ўлимимга ҳам рози бўлдим, — деб жавоб берди Юнус.
10 Шунда Эгамиз айтди:
— Бу ўсимлик учун сен меҳнат қилмагансан, экиб–ўстирмагансан, ўзи бир
кечада ўсиб, бир кечада йўқ бўлди. Сен шу ўсимлик учун ачинганингда, 11 Мен
қудратли Найнаво шаҳрига* ачинмаслигим керакми?! Ахир, бу ерда оқ–қорани
ажрата олмайдиган болаларнинг ўзидан юз йигирма мингдан ортиғи ва талай
ҳайвонлар яшайди–ку!

ИЗОҲЛАР

Найнаво шаҳри — Ниневия номи билан ҳам маълум.

1:2 *Найнаво шаҳри* — Оссурия шоҳлигининг пойтахти бўлиб, Дажла дарёсининг шарқий қирғоғида жойлашган эди. Бу шаҳар Ниневия номи билан ҳам маълум. Оссурия Исроилга ашаддий душман эди.

1:3 *Яффа* — Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган бўлиб, Қуддус учун бандаргоҳ вазифасини ўтаган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

1:3 *Таршиш* — ҳозирги Испаниянинг ҳудудида жойлашган бандаргоҳ шаҳар бўлиб, Найнаводан жуда узоқда, тамомила тескари томонда эди.

1:7 *...қуръа ташлайлик...* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклиги аниқланган. Бу вазиятда қуръа орқали айбдор ким эканлиги маълум бўлган.

2:3 *Ўликлар диёри* — ибронийча матнда *Шеўл*. Қадимда Исроил халқи *Шеўл*ни ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой деб тушунарди.

2:7 *Тоғларнинг тубига...* — қадимда одамлар, тоғларнинг пойдевори ер остидаги улкан денгиз тубига таянади, деган тасаввурга эга эди.

2:7 *...Занжирлари билан то абад менга тўсиқ қўйган жойга* — *Шеўл*, яъни ўликлар диёри назарда тутилган. Шу бобнинг 3–ояти изоҳига қаранг.

3:2 *Найнаво шаҳри* — 1:2 изоҳига қаранг.

3:5 *...қаноргa ўранди* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанорга ўраниб олиш ва кулга ўтириш (шу бобнинг 6–оятига қаранг) умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

4:8 *гармсел* — иссиқ шамол.

4:8 *...ўзига ўлим тилади* — ёки *...Худодан ўлим сўради*.

4:11 *Найнаво шаҳри* — 1:2 изоҳига қаранг.

МИХО
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Михо пайғамбар Яҳудо юртидаги кичкина бир қишлоқда туғилган. У Ишаё пайғамбарнинг замондоши бўлиб, милоддан олдинги 722 йилда Исроил* халқи Оссурияга сургун қилинишидан олдин фаолият кўрсатган.

Михо пайғамбар Исроилнинг пойтахти Самария ҳақида ва Яҳудонинг пойтахти Қуддус ҳақида башорат қилади. Иккала пойтахтнинг амалдорлари ва бойлари бутун халқни йўлдан оздириб, бутларга сажда қилишни ўргатишади. Бундан ташқари, фирибгарлик қилиб, камбағалларни талон–тарож қилишади. Шу сабабларга кўра, Исроил ва Яҳудо халқларини Худо жазоламоқчи бўлади. Михо пайғамбар Исроил ва Яҳудо халқларининг бошига тушадиган мусибатлар ва тутқунлик азоблари ҳақида башорат қилади.

Аммо келажакда Исроил ва Яҳудо халқлари яна ҳақ Худога сажда қилишади. Шунда Худо уларни ўз юртига қайтариб олиб келади, ғалабалар сари етаклайдиган ҳақиқий ҳукмдорни уларга тақдим қилади. Ўша вақт келганда, ҳамма жойда осойишталик қарор топади. Худо Ўзи танлаган ҳукмдор билан биргаликда халққа чўпонлик қилади. Исроилни бошқарадиган бу зот Байтлаҳм шаҳрида таваллуд топиши ҳақидаги башоратлар ҳам мазкур китобдан ўрин олган.

1–БОБ

1 Яҳудо* шоҳлари Йўтом, Охоз ва Ҳизқиё ҳукмронлик қилган даврларда* Эгамиз Мўрашатлик* Михо пайғамбарга Ўз сўзини аён қилиб турди. Самария ва Қуддус* ҳақида Эгамиз айтган бу сўзлар Михо пайғамбарга ваҳий орқали аён бўларди.

Самария ва Қуддус ҳукм қилинади

2 Қулоқ тутинг, эй халқлар!
Қулоқ солинг, ер юзида яшовчилар!
Эгамиз Раббий сизларга қарши гувоҳлик беради.
Муқаддас Маъбадидан Раббий гапиради.
3 Ана, Эгамиз Ўз масканидан чиқяпти,
Тоғ чўққиларини босиб келяпти.
4 Унинг оёғи остида эрийди тоғлар,
Ёрилиб кетади даралар.
Тоғлар оловда эриган мум каби бўлади,
Тепаликдан оқиб тушган сувдай тўкилади.
5 Ёқуб насли* итоатсизлик қилгани учун,
Исроил гуноҳга ботиб кетгани учун
Бу воқеалар содир бўлади.
Ёқуб насли орасида итоатсизлик қилган ким?
Пойтахт шаҳар Самария эмасми?!
Бутпарастлар уяси* Яҳудонинг қаерида жойлашган?
Қуддуснинг нақ ўзида эмасми?!

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

6 Эгамиз шундай дейди:
“Мен Самарияни вайрон қиламан.
Уни ток экиладиган жойга айлантираман.
Шаҳар деворларини йиқитаман,
Девор тошларини водийга юмалатаман.
Унинг пойдеворларини очиб ташлайман.
7 Самариянинг бутлари парча–парча бўлади,
Барча санамлари синдириб, ёндирилади.
Фаҳш йўли билан келган бутларнинг қимматбаҳо безаклари
Ўзга юрт фоҳишаларига* тўлов қилиб берилади.”

Михо пайғамбарнинг марсияси

8 Бундай мусибат дастидан йиғлаб, фарёд қиламан,
Яланғоч, оёқ яланг юраман,
Чиябўридай увиллаб, фиғон чекаман,
Бўта* каби бўзлаб йиғлайман.
9 Ахир, даво йўқ Самариянинг ярасига,
Ёпишди Яҳудога ҳам у яра,
Халқим дарвозаси — Қуддусга юқди.

10 Гат аҳолиси билан бу ҳақда ҳасратлашманг*,
Улар олдида кўз ёшингизни тўкманг!
Байт–Лафрога бориб,
У ерда қайғудан тупроққа юмаланг!*
11 Эй Шофир* аҳли,
Сиз асирликка кетасиз,
Яланғоч, шарманда бўлиб борасиз.
Занон* халқи ташқарига чиқишга журъат этмайди.
Байт–Эзел* аҳли мотам тутади,
Энди улар сизга паноҳ бўлмайди.
12 Морўт* аҳолиси мадад кутган эди,
Аммо Эгамиз фалокат юборди.
Бу фалокат ҳатто Қуддус дарвозаларига етди.
13 Эй Лахиш* аҳли,
Отларингизни жанг араваларига қўшинг!
Сиз итоатсиз Исроил халқига тақлид қилдингиз,
Қуддус аҳлини* илк бор гуноҳга бошладингиз!*
14 Шундай экан, эй Яҳудо халқи,
Энди Мўрашат* билан хайрлашаверинг,
Эсдалик совғаларингизни уларга тақдим қилинг*.
Аттанг, Ахсиб* аҳли Исроил шоҳларига панд берди,
Бера олмайдиган ёрдамни уларга ваъда қилди.
15 Эй Моришо* аҳли,
Эгамиз устингизга бир босқинчини юборади.
Исроил йўлбошчилари Адуллам ғорига қочиб боришади.
16 Суюкли фарзандларингиз учун нола қилинг,
Сочингизни қирдиринг*.
Калхатлар каби сийқа бош бўлинг,
Ахир, болаларингиз* сургун қилинади.

2–БОБ

Бечораҳолни эзган золимларнинг қисмати

1 Эй тўшагида ётиб, ёвузликни режалаштирганлар!*
Сизнинг ҳолингизга вой!
Тонг отганда сиз
Режаларингизни амалга оширасиз.
Ҳа, бу сизнинг қўлингиздан келади.
2 Сизлар бировнинг экинзорига кўз олайтириб,
Уни тортиб оласиз.
Бировнинг уйини ёқтириб қолиб,
Уни ўзингизники қилиб оласиз.
Бирини ўз уйидан,
Бошқасини мерос қилиб олган еридан маҳрум этасиз.

3 Шу сабабдан Эгамиз демоқда:
“Мен сизларга қарши фалокатни режа қиляпман.
Сизлар бўйинтуруқдан қочиб қутулолмайсиз,
Бурнингизни осмонга кўтариб юрмайсиз.
Бу оғир дамлар бўлади.”

4 Ўша вақт келганда, сизларни масхара қилиб,
Одамлар шундай аччиқ марсия куйлашади:
“Биз меросимиздан маҳрум бўлдик!
Далаларимиз душманларга* бўлиб берилди.
Энди биз бутунлай хароб бўлдик!”
5 Шундай экан,
Эгамизнинг халқи қайтадан бўлганда юртни,
Улуш қилиб олмайсиз сиз бир парча ерни.

6 Сизлар менга ақл ўргатиб деяпсиз:
“Бизга ақл ўргатма!
Нафасингни иссиқ қил,
Биз шарманда бўлмаймиз.”
7 Эй Ёқуб насли*, сизлар айтасиз:
“Наҳотки Эгамизнинг сабри тугаган бўлса?!
Наҳотки Худо шундай ишларни қилса?!”
Бу сўзларни айтишингиз жоизми?!
Ахир, Худонинг сўзлари тўғри одамга яхшилик келтиради–ку!

8 Эгамиз демоқда:
“Сизлар ўз халқингизга зулм қилдингиз!
Хотиржам юрган одамнинг қадамини пойладингиз.
Жангда талафот кўрган одамга ўхшатиб,
Унинг эгнидаги тўнини ечиб олдингиз.
9 Халқимнинг аёлларини шинам уйларидан чиқариб юбордингиз,
Фарзандларининг насибасини Менинг юртимдан уздингиз*.
10 Қани, туринглар, кетинглар бу ердан!
Ором топа олмайсиз энди бу юртда!
Ахир, қилган гуноҳларингиз юртимни ҳаром қилди,

Юртимнинг хароб бўлишига сабаб бўлди.
11 Борди–ю, олдингизга ёлғончи одам келса,
— Шароб, бўзадан ваъз айтаман, — деб айтса,
Сизлар уни пайғамбар дея қабул қиласиз!

Умидбахш ваъда

12 Эй Ёқуб насли*,
Мен сизларни албатта йиғаман,
Эй Исроилнинг омон қолганлари,
Мен сизларни тўплаб оламан.
Қўрадаги қўйлардай, яйловдаги сурувдай,
Сизларни Мен бир жойга йиғаман.
Ўшанда юртингиз одамларга тўлиб–тошади.
13 Мен Йўлбошчингиз бўлиб, сизларга йўл очаман,
Сизларни сургундан олиб чиқаман.
Сизлар шаҳар дарвозасидан чиқиб кетасиз.
Мен, Шоҳингиз сизларни бошлаб бораман.
Мен, Эгангиз, олдинда юраман.”

3–БОБ

Михо Исроил йўлбошчиларига танбеҳ беради

1 Мен шундай дедим:
“Эй Ёқуб наслининг йўлбошчилари, эшитинг!
Эй Исроил* ҳукмдорлари, қулоқ солинг!
Адолат ўрнатиш сизнинг вазифангиз–ку!
2 Сизлар эса яхшиликдан нафратланасиз,
Қабиҳликка меҳр қўясиз,
Сиз халқимнинг терисини шилиб,
Этини суягидан ажратиб оласиз.
3 Сиз халқимнинг этини ейсиз,
Терисини шилиб, суякларини майдалайсиз,
Қозонга солинадиган гўштдай уларни нимталайсиз.
4 Вақти келиб, Эгамизга илтижо қиласиз,
Ўшанда Худодан жавоб олмайсиз.
Сизлар қабиҳларча иш тутдингиз,
Шу боис У сизлардан юз ўгиради.”

5 Эгамиз шундай демоқда:
“Эй халқимни йўлдан оздирган пайғамбарлар!
Сизлар қорнингизни тўйғизганларга тинчликни башорат қиласиз,
Оғзингизни мойламаганларга эса урушни эълон қиласиз.
6 Энди устингизга тун бостириб келади,
Сизлар ваҳийларни кўрмайсиз.
Қаро зулмат сизни ўраб олади,
Башорат қилишингизга имкон бўлмайди.
Сизлар учун қуёш ботади,
Кундуз ҳам зулмат бўлади.
7 Шарманда бўласиз, эй валийлар,
Уятга қоласиз, эй фолчилар.

Мендан сўз олмаганингиз учун
Оғзингизни очолмай қоласиз.”

8 Аммо менинг вужудим кучга тўлган,
Эгамизнинг Руҳи мени тўлдирган.
Қудрат ва адолатга тўлганман.
Энди мен Ёқуб наслининг итоатсизлигини фош қиламан,
Исроил* халқининг гуноҳини юзига соламан.
9 Эй Ёқуб наслининг йўлбошчилари, эшитинг!
Эй Исроил ҳукмдорлари, қулоқ солинг!
Сизлар адолатдан ҳазар қиласиз,
Ҳақиқатни бузиб кўрсатасиз.
10 Қонлар эвазига барпо қилдингиз Қуддусни,
Зулм эвазига бунёд этдингиз Сионни!*
11 Эй Қуддус ҳокимлари, сизлар пора олиб ҳукм қиласиз,
Эй Қуддус руҳонийлари, сизлар тама қилиб таълим берасиз,
Эй Қуддус пайғамбарлари, сизлар пул учун башорат қиласиз.
Тағин Эгамизнинг номини рўкач қилиб, айтасиз:
“Эгамиз биз билан, бунга шубҳа йўқ!
Бошимизга бирор кўргилик тушмас.”
12 Сизлар сабабли
Қуддус даладай шудгор қилинади,
Сион харобазор бўлади,
Эгамизнинг уйи турган тоғни*
Қалин чакалакзор қоплайди.

4–БОБ

Эгамиз бутун дунёда тинчлик ўрнатади

1 Шундай кунлар келадики,
Эгамизнинг уйи турган тоғ*
Тоғларнинг энг юксаги бўлиб қарор топади.
Бу тоғ ҳаммасидан ҳам баланд бўлади,
Халқлар у ерга дарёдай оқиб келади.
2 Кўплаб эллар келади,
Улар шундай деб айтади:
“Қани, юринглар!
Чиқайлик Эгамизнинг тоғига!
Қани, юринглар!
Борайлик Ёқубнинг Худоси уйига!
Токи У бизга ўргатсин Ўзининг йўлларини,
Токи юрайлик бизлар Унинг сўқмоқларидан.”
Ахир, Эгамизнинг каломи келиб чиқар Қуддусдан,
Ҳа, Худонинг таълимоти келиб чиқар Сиондан.
3 Эгамиз ҳукм қилади кўп халқларнинг орасида,
Ажрим қилади олисдаги кучли миллатлар орасида.
Қиличларини айлантиришади омочга,
Найзаларини эса ток қайчиларига.
Қилич кўтармайди бир–бирига халқлар,

Ҳеч қачон жанг қилмайди улар.
4 Ором олар ҳар ким ўз узумзорида,
Ўтирар ҳар ким ўз анжирзорида,
Бирор кимса уларга таҳдид солмайди.
Буни Сарвари Оламнинг Ўзи айтди!

5 Ҳамма халқлар ўз худоларига эргашаверсин,
Биз эса абадулабад Эгамиз Худонинг йўлидан юрамиз.

Исроил халқи сургундан қайтиб келади

6 Эгамизнинг каломи шудир:
“Шундай вақт келадики, Мен чўлоқларни йиғиб оламан.
Ҳайдаб юборилганларни тўплайман,
Ўзим азобга гирифтор қилганларимни йиғаман.
7 Чўлоқларни омон сақлайман,
Ҳайдаб юборилганлардан кучли бир халқ бунёд этаман,
Ўша кундан бошлаб, то абад Мен, Эгангиз,
Сион тоғида уларга ҳукмронлик қиламан.”

8 Эй Қуддусдаги шоҳ қалъаси,
Худо халқининг кузатув минораси,
Собиқ ҳокимиятинг ўзингга қайтади.
Эй Қуддус шаҳри*,
Сенинг салтанатинг қайта тикланади.
9 Энди эса нечун фарёд қиляпсан?
Нима бўлди, ҳукмдоринг йўқмиди?!
Нечун тўлғоқ тутган аёл каби азобланяпсан?
Маслаҳатчинг нобуд бўлдими?!
10 Эй қиз Қуддус*,
Туғаётган хотин каби оҳ–воҳ қилмайсанми?!
Ўзингни ҳар томонга ташламайсанми?!
Ахир, ҳозир шаҳардан чиқиб кетасан!
Яланг қирларга бориб маскан қиласан!
Ҳа, Бобилга сен сургун бўласан*.
Бироқ у ерда сен нажот топасан,
Душман қўлидан халос қилар Эгамиз сени.

11 Сенга қарши бирлашди талай халқлар,
Сен ҳақингда шундай деб айтади улар:
“Қани, келинглар, Қуддусни хўрлаймиз,
Шаҳват билан уни томоша қиламиз.”
12 Аммо билмас улар Эгамизнинг ниятини,
Асло тушунмаслар Унинг режаларини,
Эгамиз уларни не сабабдан йиққанини улар билмаслар,
Буғдой бошоқларини хирмонда янчгандай,
Эгамиз уларни янчмоқчи эканини англамаслар.
13 Эгамиз демоқда:
“Туринг, эй Қуддус аҳолиси!
Янчиб ташланг уларни!*
Темирдан қиламан шохларингизни,

Бронзадан ясайман туёқларингизни,
Эзиб мажақлайсиз кўплаб халқларни.”
Олган ўлжангизни Эгамизга бағишлайсиз,
Бутун олам Раббийсига ёв бойлигини назр қиласиз.

5–БОБ

Худо Байтлаҳмлик Ҳукмдорни ваъда қилади

1 Эй Қуддус, йиққин лашкарингни!
Ғанимлар бизни қуршовга олди!*
Улар Исроил ҳукмдорининг бетига таёқ билан уради*.
2 Аммо Эгамиз демоқда:
“Эй Эфратдаги Байтлаҳм,
Сен Яҳудонинг митти шаҳри бўлсанг ҳам,
Исроилни Мен учун бошқарадиган зот сендан чиқади*.
Унинг насаби қадимларга бориб тақалади.”
3 Ҳа, Эгамиз Исроил халқини бир муддатга душманларга таслим қилади,
Аммо бу ҳол узоқ давом этмайди.
Ҳомиладор аёлнинг кўзи ёриганда,
Бўлғуси ҳукмдорнинг биродарлари сургундан қайтади.
Улар Исроил халқи билан бирлашади.
4 Эгамизнинг қудрати ила ўша ҳукмдор сурувини боқади,
Ўз Эгаси Худонинг улуғворлиги ила уларни бошқаради.
Исроил халқи хатарсиз яшайди,
Ахир, ҳукмдорининг довруғи бутун дунёга ёйилади.
5-6 Ўша зот тинчлик ўрнатувчи бўлади.

Мабодо Оссурияликлар*
Юртимизга бостириб келса,
Чегарамизга қадам босса,
Ҳукмдоримиз бизни ҳимоя қилади.
Ҳа, Оссурияликлар
Юртимизга бостириб келса,
Қалъаларни улар ёриб ўтса,
Биз уларга қарши етти йўлбошчини танлаймиз,
Ҳатто саккиз раҳнамони тайинлаймиз.
Улар қилич кўтариб, Оссурия устидан ҳукмронлик қилишади,
Нимрўднинг ерида ўз ҳукмини ўтказишади.

7 Кўп халқлар орасида
Ёқуб наслининг* омон қолганлари
Эгамиз осмондан туширадиган
Шудрингдай бўлишади,
Майсаларни суғорадиган
Ёмғирга ўхшаган бўлишади.
Уларни ҳеч ким тўхтата олмайди,
Улар душманлари устига бостириб боришади.
8 Ҳа, кўп халқлар орасида
Ёқуб наслининг омон қолганлари
Ўрмон ҳайвонлари орасидаги

Арслондай бўлишади,
Қўй суруви орасига кириб қолган
Шер боласига ўхшаган бўлишади.
Юрган йўлларида ҳаммага ташланиб ғажишади,
Уларга ҳеч ким бас кела олмайди.
9 Эй Исроил, сенинг қўлинг ёвлардан баланд келади,
Барча душманларинг қирилиб кетади.

Эгамиз Ўз халқини поклайди

10 Эгамизнинг каломи шудир:
“Ўша куни отларингизни Мен йўқ қиламан,
Жанг араваларингизни парча–парча этаман.
11 Вайрон қиламан юртингиз шаҳарларини,
Яксон этаман жамики қалъаларингизни.
12 Юртингизда сеҳр–жодуга барҳам бераман,
Орангизда бironта фолбинни қолдирмайман.
13 Тасвиру бутсимон тошларингизни йўқ қиламан,
Бошқа сажда қилмайсиз қўлингиз ижодига.
14 Ашерага* аталган устунларни қўпориб ташлайман,
Шаҳарларингиз кулини кўкка совураман.
15 Менга итоат қилмаган халқлар устига
Қаҳру ғазабимни ёғдириб, қасос оламан.”

6–БОБ

Эгамиз Исроил халқи билан даъволашади

1 Эгамизнинг сўзини эшитинг:
“Қани, туринг!
Тоғлар олдида айтинг даъвоингизни,
Қирлар эшитсин сизнинг овозингизни.”
2 Эй тоғлар, Эгамизнинг даъвосига қулоқ тутинг,
Заминнинг мангу пойдеворлари*, сиз ҳам эшитинг!
Эгамиз Ўз халқи билан даъволашади,
Халқи Исроил билан У баҳслашади.

3 Эгамиз демоқда:
“Эй халқим, сенга Мен нима қилдим?!
Сенга тушдими бирор оғирлигим?!
Қани, жавоб бергин–чи Менга!
4 Мен сизларни Миср юртидан олиб чиққан эдим–ку,
У ердаги қулликдан халос этган эдим–ку.
Олдингизга юборгандим йўлбошчиларни —
Мусо, Ҳорун ва Марямни.
5 Эй халқим, наҳот эсламасангиз
Мўаб шоҳи Болоқнинг ёвуз ниятини,
Бавўр ўғли Баломнинг унга берган жавобини?!
Шитимдан Гилгалга қилган сафарингизда ҳам
Нималар юз берганини бир эсланг*.
Бу воқеаларни эсга олсангиз,
Мен, Эгангиз, сизларни қутқармоқчи бўлиб,

Не–не ишлар қилганимни кўрасиз!”

Худонинг талаблари

6 Юксалган Худога сажда қилганимда,
Нима олиб борай Эгамизнинг ҳузурига?!
Унга атаб қурбонликлар куйдирсаммикан?!
Бир ёшли бузоқларни назр қилсаммикан?!
7 Унга атаб минглаб қўчқорларни сўйсам,
Зайтун мойин дарё–дарё қилиб оқизсам
Эгамиз мендан мамнун бўлармикан?!
Итоатсизлигим эвазига тўнғич ўғлимни берайми?!
Гуноҳим эвазига ўз фарзандимни қурбон қилайми?!
8 Эй инсон, нима яхши эканлигини
Эгамиз сенга аён қилди.
Шудир Унинг сендан қилган талаби:
Адолатли иш тутгин,
Меҳр–шафқат қилишдан завқ олгин,
Камтар бўлиб, Худонинг йўлидан юргин.

9 Худодан қўрқиш — донолик, ахир!
Эгамиз Қуддус аҳлига хитоб қилар:
“Яхшилаб қулоқ солинг!
Мен сизларни ҳадемай жазолайман!*
10 Эй фосиқлар, ҳаром бойлигингизга қандай кўз юмай?!
Тарозидан уриб йиққан давлатингизни қандай унутай?!
Бундай бойликдан жирканаман, ахир!
11 Нотўғри тарозини ишлатган одамни қандай оқлайин?!
Сохта қадоқ тошлардан фойдаланган кишига қандай чидайин?!
12 Эй Қуддус бойлари, сизлар зўравонлик қиляпсиз,
Эй шаҳар одамлари, сизлар алдаяпсиз.
Ёлғондан бошқани билмас тилларингиз.
13 Шунинг учун Мен сизларга қақшатқич зарба бераман,
Гуноҳларингиз учун сизларни хароб қиламан.
14 Сизлар ейсиз, лекин тўймайсиз,
Қорнингиз доим оч бўлади.
Нарса йиғасиз–у, сақлай олмайсиз,
Йиққанларингизни урушда нобуд қиламан.
15 Сиз экасиз, аммо ўриб олмайсиз.
Мой оласиз, аммо ундан фойдаланмайсиз.
Узум эзасиз*, аммо шаробидан ичмайсиз.
16 Ахир, сизлар шоҳ Омрининг одатларини ташламаяпсиз.
Ахаб* хонадонининг барча қилмишларига тақлид қиляпсиз,
Уларнинг йўлини тутяпсиз.
Шунинг учун Мен сизларни хароб қиламан.
Сизни кўрганлар сизлардан ҳазар қилади,
Барча халқлар сизларни ҳақорат этади*.”

7–БОБ

Михонинг марсияси

1 Шўрим қуриди!
Ёзги мевалар йиғиб олингач,
Узумзор ҳосили йиғиштирилгач,
Токлардан бир бош узум ҳам топа олмаган,
Бир дона анжирга зор бўлган одамдайман мен.
2 Художўй йўқ бўлди бу юртда,
Тўғри одам қолмади инсонлар орасида.
Қон тўкаман деб, одамлар бир–бирини пойлайди,
Ҳаттоки қариндош қариндошига тузоқ қўяди.
3 Ёмонлик қилишга устадир улар.
Амалдору қозилари пора олишади,
Бойлари хоҳлаганини қилдиришади,
Биргаликда улар ҳақиқатни бузиб кўрсатишади.
4 Уларнинг ҳимматлиси янтоққа ўхшайди,
Виждонлиси бир уюм тикандан қолишмайди.

Эй халқим,
Соқчилар* сизларга эълон қилган кун яқинлашди,
Ҳа, жазо оладиган кунингиз етиб келди.
Ҳаммангиз саросимага тушадиган вақт бўлди.
5 Дўстингизга суянманг,
Шеригингизга ишонманг,
Қучоғингизда хотинингиз ётганда,
Қулф солинг оғзингизга.
6 Ўғил ўз отасини хўрлайди,
Қиз онасининг юзига сапчийди,
Келин қайнанасига душманлик қилар.
Сизнинг душманларингиз — ўз уйингиздагилар.
7 Мен эса Эгамга тикаман кўзларимни,
Умид ила кутаман нажоткорим Худони,
Албатта эшитар Худойим мени.

Халқ Эгамизга юз буради

8 Ҳолимни кўриб шод бўлмангиз, эй ғанимлар!
Йиқилганимда ўзим туриб оларман.
Зулматда ўтирганимда,
Менга нур сочар Эгам.
9 Гуноҳ қилдим мен Эгамга қарши,
Унинг қаҳрига дош бераман энди.
Бир кун келиб, У менинг тарафимни олади,
Менинг ҳақлигимни исбот этади.
Ёруғликка олиб чиқади У мени,
Мен кўраман Худонинг адолатини.
10 Эй душманларим, албатта буни кўрасиз.
“Эганг Худо қани?!” деб мени масхара қилдингиз,
Энди сиз шармандаи шармисор бўласиз.
Мен кўзларим билан кўраман сизнинг қулашингизни,

Оёқ ости бўласизлар кўчадаги лой каби.

Исроилнинг қайта тикланиши ҳақида башорат

11 Эй Қуддус, келар шундай замонлар:
Сенинг деворларинг қайта қурилар,
Кенгайиб кетади сенинг ҳудудинг.
12 Ўша куни халқинг қайтиб келади*.
Улар Оссуриядан Мисргача,
Мисрдан Фурот дарёсигача бўлган
Барча ўзга юртлардан,
Узоқ денгиз соҳилларидан,
Олис тоғлар бағридан келишади.
13 Бошқа халқларнинг юртлари эса
Ўз қилмишлари дастидан харобазорга айланади.

Михонинг илтижоси ва Эгамизнинг жавоби

14 Эй Эгам, Ўз халқингнинг чўпони бўлгин,
Ўз сурувингни таёғинг билан бошқаргин,
Уларнинг ён–атрофи кўм–кўк яйловлар,
Улар эса чакалакзорда яшаяптилар*.
Узоқ ўтмишдагидай уларни ўтлатгин,
Башан ва Гилад* яйловларида уларни тўйғазгин.

15 Эгамиз демоқда:
“Мен сизларни Мисрдан олиб чиққан кунларимдай,
Сизларга Ўз ажойиботларимни яна кўрсатаман.”

16 Эй Эгам, ажойиботларинг олдида халқлар
Буюк лашкарларининг ожизлигини кўриб,
Ўзлари шарманда бўладилар.
Қўллари билан юзларини беркитадилар.
Уларнинг қулоқлари гаранг бўлиб қолади.
17 Илон каби улар тупроқ ялайди,
Судралувчи махлуқлар каби тупроқ ошайди.
Эй Эгамиз Худо, улар титраб–қақшаб,
Ўз уяларидан Сенинг олдингга чиқадилар.
Сенинг ҳузурингда даҳшатга тушадилар.

18 Эй Худо, Сенга ўхшаши бормикан?!
Халқингдан омон қолганларнинг
Гуноҳларини Сен кечирасан,
Уларнинг итоатсизлигини афв этасан.
То абад ғазабланмассан халқингдан,
Завқ оласан Ўзинг меҳр–шафқат кўрсатишдан.
19 Сен бизга яна раҳм қиласан.
Айбларимизни ерга кўмиб юборасан,
Гуноҳларимизни денгиз тубига улоқтирасан.
20 Қадимда ота–боболаримизга онт ичганингдай*,
Сен Ёқуб авлодига садоқатли бўласан,
Иброҳим наслига сўнмас севгингни кўрсатасан.

ИЗОҲЛАР

...Яҳудо...Исроил... — жанубий шоҳлик ва шимолий шоҳлик назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО ва ИСРОИЛ сўзларига қаранг.

1:1 *Яҳудо* — жанубий шоҳлик назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:1 *...Йўтом, Охоз ва Ҳизқиё ҳукмронлик қилган даврлар...* — милоддан олдинги 740-687 йиллар.

1:1 *Мўрашат* — Яҳудонинг жанубидаги қишлоқ, Қуддусдан қарийб 40 километр жануби–ғарбда жойлашган.

1:1 *Самария ва Қуддус* — Самария Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг пойтахти, Қуддус эса Яҳудонинг, яъни жанубий шоҳликнинг пойтахти эди.

1:5 *Ёқуб насли* — Худо Ёқубнинг исмини Исроил деб ўзгартирган (Ибтидо 32:27-28 га қаранг), шунинг учун кўпинча Ёқуб насли деганда Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолиси назарда тутилади. Бироқ бу ўринда мазкур исм ҳам Исроил, ҳам Яҳудо халқларига нисбатан ишлатилган. Ёқуб бу иккала халқнинг бобокалони бўлган. Яҳудо халқи Михо пайғамбарнинг башоратини фақат Исроил халқига тааллуқли, деб ўйлаган бўлиши мумкин. Бироқ оятнинг охирги икки қаторидан кўриниб турибдики, Михо пайғамбар Яҳудо халқини ҳам бутпарастликда айблаб, жамиятни емирган мажусийлик одатларини фош этади.

1:5 *Бутпарастлар уяси* — ибронийча матнда *Бамах*лар, яъни "Тепаликлар". Канъон худоларига топинадиган жойлар *бамах* деб аталарди. Одатда бу саждагоҳлар тепаликларда жойлашган бўлиб, у ерда Канъон худоларининг тасвирлари ва қурбонликлар келтириш учун қурбонгоҳ бўларди. Бу оятда Михо пайғамбар Қуддус шаҳрини ўшандай тепалик сифатида тасвирламоқда.

1:7 *Фаҳш йўли...фоҳишалар...* — ўша пайтларда Канъондаги бутпараст халқлар ўз саждагоҳларида диний вазифалардан бирини фаҳш орқали бажарардилар. Бутпараст халқларнинг удумларига кўра, одамлар фоҳишалар ва фоҳишлар билан жинсий алоқа қилиш орқали ўз худоларига топинардилар, худоларидан фаровонлик ато қилишни сўрардилар. Лекин Эгамиз Исроил халқига бу йўл билан сажда қилишни қатъиян ман этган (Қонунлар 23:17-18 га қаранг). Фаҳш орқали топилган пулга улар бутхоналардаги бутларни олтину кумуш билан безатишарди. Башоратга кўра, келажакда Самарияни забт этадиган душман лашкари бу қимматбаҳо безакларни ўлжа қилиб, бошқа жойдаги фоҳишаларга сарф қилишади.

1:8 *Бўта* — ибронийча матнда *Туяқуш*. Туяқуш қаттиқ, мунгли товуш чиқаради.

1:10 *Гат аҳолиси билан бу ҳақда ҳасратлашманг...* — Филистларнинг бу шаҳри Қуддусдан ғарбда жойлашган бўлиб, Яҳудо қир этаклари бағридаги Михонинг она қишлоғига яқин эди. Филистлар Исроил халқининг душмани эди. Шоҳ Шоул ва унинг ўғли Йўнатан Филистлар томонидан ўлдирилгандан сўнг, Довуд улар учун марсия куйлаган эди. Михо пайғамбар ҳам ўз марсиясини Довуднинг сўзлари билан бошламоқда (2 Шоҳлар 1:20 га қаранг). Яҳудо халқининг бошига тушадиган кулфатлардан Филистлар хурсанд бўлишини Михо хоҳламайди. Шу бобнинг 10-16–оятларида босқинчилар Яҳудо қир этакларига ғарбдан бостириб келиши ва ўша ҳудуддаги баъзи шаҳар ва қишлоқларни забт этиши ҳақида

ёзилган. Шулар қаторида душманлар Михонинг она қишлоғини ҳам босиб олади. Археологик маълумотларга кўра, милоддан олдинги 701 йилда Оссурия шоҳи Санхарив Яҳудо шоҳлигига ғарбдан бостириб келиб, 46 та шаҳарни қўлга киритган. У қарийб 20.000 аҳолини сургун қилгандан сўнг, Қуддусга ҳам юриш қилган эди (4 Шоҳлар 18:13-16 га қаранг).

1:10 *Байт–Лафрога бориб…тупроққа юмаланг* — ибронийчада Байт–Лафро номининг маъноси *тупроқ хонадони*. Тупроққа ёки кулга юмалаш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди (Еремиё 6:26, Ҳизқиёл 27:30 га қаранг).

1:11 *Шофир* — ибронийчадаги маъноси *ёқимли*, бироқ бу шаҳар аҳолисининг қисмати асло ёқимли эмас.

1:11 *Занон* — бу ном ибронийчадаги *ташқарига чиқмоқ* сўзига оҳангдош. Бироқ бу шаҳар аҳолиси ташқарига чиқиб, душманга қаршилик кўрсатишга асло журъат эта олмайди.

1:11 *Байт–Эзел* — ибронийчадаги маъноси *қўшни уй*. Лекин бу шаҳар аҳолиси яхши қўшни бўла олмайди, чунки улар ўз юртдошларига бошпана бера олмайди.

1:12 *Морўт* — бу ном ибронийчадаги *аччиқ* сўзига оҳангдош. Бу сўз кўчма маънода бўлиб, изтиробу аламга ишора қилади.

1:13 *Лахиш* — бу ном ибронийчадаги *жанговар отлар* иборасига оҳангдош. Лахиш шаҳри мустаҳкам қалъа бўлиб, жанговар отлар ва жанг араваларига эга эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЖАНГ АРАВАСИ иборасига ва унга ишланган расмга қаранг.

1:13 *Қуддус аҳли* — ибронийча матнда *Қиз Сион*, Қуддус аҳлига нисбатан қўлланган шеърий усул. 3:10 изоҳига қаранг.

1:13 *…Қуддус аҳлини илк бор гуноҳга бошладингиз!* — бу ерда Михо қандай гуноҳни назарда тутгани аниқ эмас. Лахиш аҳолиси Яҳудо халқини бутпарастликка бошлагани ёки Худога умид боғламай, ҳарбий кучига, отлару жанг араваларига ишонгани назарда тутилган бўлиши мумкин (5:10 га ва Ишаё 31:1, Хўшея 10:13, 14:3 га қаранг).

1:14 *Мўрашат* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Мўрашат–Гат*. Михо пайғамбар шу қишлоқда таваллуд топган эди (шу бобнинг 1–оятига ва ўша оятнинг учинчи изоҳига қаранг).

1:14 *Энди Мўрашат билан хайрлашаверинг, Эсдалик совғаларингизни уларга тақдим қилинг* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Энди Мўрашат учун қалин беринглар*. Мўрашат номи ибронийчадаги *унаштирилган* сўзига оҳангдош. Турмушга чиқаётган қиз ўз отасининг уйидан чиқиб кетганидай, Мўрашат аҳолиси ҳам ўз уйларидан чиқиб кетадилар. Михо пайғамбар бу ўринда сўз ўйини қилиб, Мўрашат аҳолисининг сургун бўлишига ишора қиляпти.

1:14 *Ахсиб* — бу ном ибронийчадаги *ёлғончи* ёки *панд берувчи* сўзига оҳангдош.

1:15 *Моришо* — бу ном ибронийчадаги *ғолиб* сўзига оҳангдош.

1:16 *…Сочингизни қирдиринг* — сочни қириш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди.

1:16 *…фарзандларингиз…болаларингиз…* — Яҳудонинг шаҳарлари ва қишлоқларидаги аҳолига нисбатан қўлланган шеърий усул.

2:1 *ёвузликни режалаштирганлар* — шу бобнинг 1-11–оятларида Михо Самария ва Қуддусдаги нуфузли одамларни огоҳлантириб, камбағалларга зулм

ўтказганлари учун уларга қарши башорат қиляпти.

2:4 *душманлар* — ёки *арзимас одамлар* ёхуд *хиёнаткорлар*.

2:7 *Ёқуб насли* — шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

2:9 *Фарзандларининг насибасини Менинг юртимдан уздингиз* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Фарзандларини Менинг улуғворлигимдан то абад маҳрум қилдингиз*. Бу гапдаги *Менинг улуғворлигим* ибораси Худо Ўз халқига берган юртни билдирса керак.

2:12 *Ёқуб насли* — Худо Ёқубнинг исмини Исроил деб ўзгартирган (Ибтидо 32:27-28 га қаранг), шунинг учун кўпинча Ёқуб насли деганда Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолиси назарда тутилади. Бироқ бу ўринда мазкур исм ҳам Исроил, ҳам Яҳудо халқларига нисбатан ишлатилган. Ёқуб бу иккала халқнинг бобокалони бўлган.

3:1 *...Ёқуб...Исроил...* — бу ўринда Михо Яҳудога, яъни жанубий шоҳликка ишора қилмоқда (шу бобнинг 9-10–оятларига қаранг).

3:8 *...Ёқуб...Исроил...* — шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

3:10 *Сион* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

3:12 *Эгамизнинг уйи турган тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 3:10 изоҳига қаранг.

4:1 *Эгамизнинг уйи турган тоғ* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 3:10 изоҳига қаранг.

4:8 *...Қуддус...Қуддус шаҳри...* — ибронийча матнда *...қиз Сион...қиз Қуддус...*. Шеърий усулда қўлланилган мазкур ибронийча иборалар Қуддус шаҳрига ёки унинг аҳолисига ишора қилади (шу бобнинг 10, 13–оятларида ҳам бор). 3:10 изоҳига қаранг.

4:10 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 11–оятида ҳам бор).

4:10 *...Бобилга сен сургун бўласан* — милоддан олдинги 586 йилда Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг).

4:13 *Янчиб ташланг уларни!* — донни бошоқдан ажратиш жараёни янчиш дейилади. Қадимги Яқин Шарқда дон янчиш учун баъзан ҳўкизларни дон бошоқлари устидан юргизишарди. Янчиш сўзи кўпинча Эски Аҳдда ҳукмга ёки урушда ҳалокатга дучор бўлишга нисбатан кўчма маънода ишлатилган. Мазкур оятда Қуддус аҳолиси ўз душманини босиб эзадиган кучли ҳўкиздай тасвирланган.

5:1 *Ғанимлар бизни қуршовга олди!* — 4:10 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

5:1 *...бетига таёқ билан урали* — ёки *...бетига салтанат ҳассаси билан урали*. Салтанат ҳассаси куч–қудрат ва ҳукмронлик рамзи эди. Бу ўринда Довуд зурриётидан бўлган шоҳнинг бутунлай мағлуб бўлиши ва хор қилиниши англашилади.

5:2 *...сендан чиқади* — Худо ваъда қилган ҳукмдор, яъни Масиҳ, шоҳ Довуд зурриётидан келиб чиқади. Шоҳ Довуд ҳам Байтлаҳмда таваллуд топган эди (1 Шоҳлар 17:12 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги

МАСИҲ сўзига қаранг.

5:5-6 *Оссурия* — қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво шаҳри ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОССУРИЯ сўзига қаранг. Бу оятда Михо пайғамбар айнан Оссурия шоҳлигини эмас, балки рамзий маънода Худога ва Унинг азиз халқига қарши чиққан душманларни назарда тутган бўлиши мумкин. Михо Оссурияни Нимрўднинг ери деб аташи ҳам шундан далолат беради, чунки Нимрўд шарқда асос солган қудратли шоҳлик доим Исроил юртига тажовуз қилиб келган (Ибтидо 10:8-12 га қаранг).

5:7 *Ёқуб насли* — 2:12 изоҳига қаранг.

5:14 *Ашера* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг эркак жуфти Баал эди. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди.

6:2 *Заминнинг мангу пойдеворлари* — қадимда Исроил халқининг тасаввурига кўра, ер теп–текис бўлиб, ер остида буюк денгиз бор эди, денгиз тубида ўрнатилган улкан устунлар ерни ушлаб турарди. Бу устунлар денгиз тубидаги пойдеворга таянарди.

6:5 *...Нималар юз берганини бир эсланг* — Болоқ билан Балом Исроил халқини лаънатлашга қанчалар уринмасин, Худо Исроилга барака берар эди (Саҳрода 22:1-24:25 га қаранг). Худо Иордан дарёсининг сувларини тўхтатиб, Ўз халқини дарёнинг шарқидаги Шитимдан ғарбдаги Гилгалга эсон–омон олиб ўтди, ваъда қилган юртни уларга берди (Ёшуа 3:1-4:19 га қаранг).

6:9 *Яхшилаб қулоқ солинг! Мен сизларни ҳадемай жазолайман!* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *Калтакка ва уни Тайинлаганга қулоқ сол!* Бу ўринда калтак шахс тимсолида бўлиб, Худо берадиган жазога ишора қилади.

6:15 *Узум эзасиз...* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

6:16 *...Омри...Ахаб...* — Михо пайғамбар давридан олдин Исроилда, яъни шимолий шоҳликда ҳукмронлик қилган икки шоҳ. Омри ва унинг ўғли Ахаб ўзларининг бутпарастлиги ва ўта қабиҳлиги билан танилган эдилар (3 Шоҳлар 16:25-33 га қаранг).

6:16 *...Барча халқлар сизларни ҳақорат этади* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *...Менинг халқим сизларни ҳақорат этади*.

7:4 *Соқчилар* — Худо Ўз халқини огоҳлантириб, тавба қилишга ундаш учун юборган пайғамбарлар назарда тутилган.

7:12 *Ўша куни халқинг қайтиб келади* — Ишаё 11:11-12, 27:12-13, Закариё 10:8-10 га қаранг.

7:14 *...чакалакзорда яшаяптилар* — вайронага айланган шоҳликнинг мажозий ифодаси (3:12 га қаранг).

7:14 *Башан ва Гилад* — Иордан дарёсининг шарқ томонидаги ерлар бўлиб, ўзининг кўм–кўк яйловлари ва наслдор, соғлом чорваси билан машҳур эди.

7:20 *...ота–боболаримизга онт ичганингдай...* — Ибтидо 12:1-3, 18:18-19, 22:15-18, 28:10-15 га қаранг.

НОХУМ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Нохум китоби Оссурия пойтахти Найнавонинг* қулаши ҳақида ёзилган шеърий шаклдаги башоратдир. Оссурия қудратли шоҳлик бўлиб, ўзи босиб олган халқларга нисбатан ниҳоятда золим ва шафқатсиз эди. Юнус пайғамбар даврида Найнаво аҳолиси гуноҳларидан тавба қилган эди*, Нохум пайғамбар даврида эса улар яна зўравонликларга, бутпарастлик ва худбинликка муккасидан кетган эдилар. Оссурия лашкари милоддан олдинги 722 йилда Исроилни* босиб олиб, аҳолисини Оссурияга сургун қилган эди. Улар Яҳудога, яъни жанубий шоҳликка ҳам кўп таҳдид солган эдилар. Шу сабабдан Нохум пайғамбар Найнавонинг аянчли қисмати ҳақида башорат қилади.

Нохум пайғамбар Найнавонинг қулашидан олдин ваъз қилади. Бобилликлар милоддан олдинги 612 йилда Найнавони забт этадилар. Китобдан ўрин олган Нў–Омоннинг, яъни Фива шаҳрининг қулаши ҳақидаги воқеалар милоддан олдинги 663 йилда, Нохум пайғамбар фаолият кўрсатишидан олдин рўй беради (3:8-10 оятларга ва 3:8 изоҳига қаранг).

Мазкур китобда Нохум пайғамбар Худони — бутун оламнинг ва барча халқларнинг Ҳукмдори, ҳамманинг тақдирини назорат қилувчи ҳақ Худо деб эълон қилади. Муаллиф Худонинг сабр–тоқати ва меҳрибонлиги ҳақида сўз юритади. Шу билан бирга, Худонинг одиллигига алоҳида урғу бериб, айбдорни У асло оқламаслигини таъкидлаб ўтади.

1–БОБ

1 Найнаво шаҳри* ҳақида башорат. Бу китобда Элқўшлик* Нохумга келган ваҳий баён қилинган.

Эгамизнинг Найнавога бўлган ғазаби

2 Эгамиз рашкчи*, қасоскор Худодир,
Эгамиз қасоскор, дарғазабдир.
Ғанимларидан Эгамиз қасос олар,
Душманларидан ғазабланиб юрар.
3 Эгамизнинг жаҳли тез эмас,
Унинг кучи буюкдир,
Айбдорни Эгамиз асло оқламас!

Юрган йўли қуюну бўрон бўлар.
Оёғи остидан чангдай
Кўтарилар қора булутлар.
4 У денгизга дўқ уриб, уни қуритар,
Барча дарёларни қақратиб юборар.
Башан ва Кармил яйловлари хазон бўлади,
Лубнон* гуллари сўлиб қолади.
5 Унинг олдида силкинар тоғлар,
Парчаланиб кетар адиру қирлар.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Ҳузурида замин тебранар,
Бутун жаҳон ва ундаги мавжудот қалтирар.
6 Унинг қаҳрига ким бардош бергай?!
Алангали ғазабидан ким омон қолгай?!
Унинг ғазаби оловдай ёйилар,
Унинг олдида қоялар чилпарчин бўлар.

7 Эгамиз яхшидир,
Кулфат кунида қўрғондир У,
Худода паноҳ топганларни сақлайди У.
8 Тошқин сел билан Найнавони вайрон қилар,
Ёвларининг пайига тушиб, зулматга ҳайдар.

9 Эй Найнаво, нечун Эгамизга қарши фитна уюштирасан?!
Ахир, У бир уриб сени қириб ташлайди,
Иккинчи уришига ҳожат бўлмайди.
10 Чирмашган тикану қуруқ хас–чўп каби
Сизлар ҳам, эй майхўрлар, ёндириб ташланасиз!
11 Эй Найнаво, қабиҳ шоҳ сендан чиқди,
Эгамизга қарши у фитна–фасод қилди.

12 Эгамиз эса шундай айтур:
“Оссурияликлар* кучли ва беҳисоб бўлсалар–да,
Улар қирилиб, йўқ бўладилар.
Эй халқим, бошингга кулфат солдим!
Энди бундай кулфат солмайман зинҳор!
13 Сени Оссурия бўйинтуруғидан озод қиламан,
Кишанларингни* узиб ташлайман.”

14 Сен ҳақингда, эй Оссурия, Эгамиз шундай амр этар:
“Сенинг номинг дунёдан ўчар.
Йўқ қиламан худоларинг уйидаги қуйма ва ўйма бутларни,
Ярамас хулқ–атворинг учун ҳозирлайман қабрингни.”

Найнаво қулайди

15 Қаранг! Хушхабар келтирувчи кимса,
Тоғлар оша шошиб келади бу ёққа.
Тинчликни эълон қилади У сизга!
Эй Яҳудо халқи*, нишонлагин байрамларингни,
Олиб кел онт ичиб атаган назрларингни.
Юртингга тажовуз қилмас энди қабиҳлар,
Зеро, тамомила йўқ бўлди улар.

2–БОБ

1-2 Душманлар Исроил юртини хароб қилган,
Узумзорларини пайҳон этган.
Бироқ Эгамиз тиклар Ёқуб наслининг улуғворлигини,
Ҳа, Исроил халқининг буюклигини.

Босқинчи сенга ҳужум қилди, эй Найнаво!*

Қани бўл, қўриқла қўрғонларингни,
Йўлдан узма сен кўзингни.
Йиғиб олгин бор кучингни,
Жангга боғла белингни.
3 Душман сипоҳларининг қалқони қизил,
Жангчиларининг кийими алвон,
Жанг куни аравалари оловдай чақнар,
Беҳисоб найзалари бош узра тебраниб турар.

4 Шаҳар ичида аравалар қутуриб елар,
Майдонларни кесиб у ёқдан–бу ёққа ўтар,
Машъалаларга ўхшаб ёниб турар,
Яшин тезлиги билан учар.
5 Найнаво шоҳи амр берар лашкарбошиларига,
Олға босиб қоқинар улар йўлда.

Қалқонлари паноҳида* босқинчилар
Шаҳар деворига ёпирилар.
6 Дарё тўғонларини* улар бузиб ташлар,
Сарой ивиб, қулай–қулай деб турибди.
7 Шаҳар аҳлини сургун қилишга қарор қилинди,
Чўрилари ўз кўксига уриб,
Мусичадай нола қилмоқда.
8 Найнаво дарз кетган ҳовузга* ўхшайди,
Ёриқларидан сув оқиб кетгандай,
Унинг аҳолиси қочиб кетяпти,
Ортидан “Тўхтанглар! Тўхтанглар!”
Деган қичқириқлар эшитилар,
Лекин ҳеч ким ортига қайтмас.
9 Босқинчилар бақирар:
“Талон–тарож қилинг кумушу олтинни!
Битмас–туганмасдир Найнавонинг хазинаси!
Серобдир унинг қимматбаҳо нарсаси!”

10 Шип–шийдам, вайрон, талқон бўлди Найнаво!
Қўрқувдан юраклар орқага тортиб кетди,
Тиззалар қалтиради, баданни титроқ босди,
Бўздай оқарди ҳамманинг юзи!
11 Нима бўлди Найнаво шаҳрига?!
Ўхшар эди–ку у шернинг уясига.
Ҳа, ўхшар эди Найнаво шер болаларини боққан бир инга.
Шер ва она шер изғиган пайтда,
Болалари хатарсиз эди у ерда!
12 Шер ўз болалари учун
Етарлича ўлжа тилка–пора қилган,
У она шер учун ҳам овини бўғизлаган,
Мурда билан тўлдирган ўз инларини,
Ўлжа билан — уяларини.

13 Саррвари Олам шундай айтмоқда: “Мен сенга қаршиман, эй Найнаво! Жанг

араваларингни тутатиб ёндираман. Ёш шерларинг қиличдан ҳалок бўлади. Сен энди ер юзида талончилик қилмайсан. Ўлпончиларингнинг овози ўчади.”

3–БОБ

Найнавонинг қисмати

1 Ҳолингга вой, эй қўли қон шаҳар!
Ўтакетган маккор, ўлжага тўлган шаҳар!
У ердаги қотилликлар ҳеч тугамас!

2 Қулоққа чалинар қамчиларнинг визиллаши,
Ғилдиракларнинг тарақ–туруғи,
Елаётган от туёқларининг товуши,
Жанг араваларининг гумбурлаши!
3 Жангга кирмоқда отлиқ сипоҳлар,
Ялт–юлт этмоқда қиличлар,
Ярқирамоқда найзалар,
Уйилиб кетди ўликлар,
Уюм–уюм бўлди жасадлар,
Мурдаларнинг сон–саноғи йўқ.
Қоқилишар жасадларга одамлар!

4 Эй Найнаво*, ўзингни бузуқ фоҳишадай* тутдинг,
Суюқоёқ жодугардай одамларни ром қилдинг,
Бузуқлигинг билан халқларни қул қилдинг,
Сеҳр–жодуларинг билан ўзингга оғдирдинг.
5 “Мен сенга қаршиман!
— деб айтмоқда Сарвари Олам. —
Мен кўйлагингни кўтариб,
Халқларга яланғоч танангни кўрсатаман,
Эллар олдида шармандангни чиқараман.
6 Устингдан ахлат ёғдириб, сени хўрлайман.
Одамларга сени томоша қилдираман.
7 Сени кўрганлар орқага чекиниб, шундай дейишар:
«Найнаво вайрон бўлди!
Ким унга ачинар экан?!»
Сени юпатадиган ҳеч ким йўқ!”

8 Нў–Омон* шаҳридан сенинг ортиқ жойинг бормиди?!
Ўша шаҳар Нил дарёси бўйида жойлашганди,
Сувлар қуршовида турганди,
Дарё — унинг истеҳкоми,
Сувлар — ҳимояси бўлганди.
9 Ҳабашистону* Миср унинг устидан ҳукмронлик қиларди,
Кучининг чек–чегараси йўқ эди.
Ливия* билан Луб унинг иттифоқдошлари эди.
10 Шундай бўлса–да,
Нў–Омон шаҳрининг аҳолиси сургун қилинди,
Одамлари асирликка олиб кетилди,
Ҳар бир кўчанинг бошида

Тошга уриб ўлдирилди гўдаклари,
Аслзодалари учун қуръа ташланди,
Барча зодагонлари занжирбанд бўлди.

11 Эй Найнаво, сен ҳам маст бўлиб, гандираклаб қоласан*,
Бекинасан, душманларингдан қочиб, паноҳ излайсан.
12 Сенинг ҳамма қалъаларинг
Меваси пишган анжир дарахтига ўхшар.
Анжирни силкитсанг,
Анжирлар хўранданинг оғзига тушар.
13 Лашкарингга бир қарасанг–чи!
Хотин кишидан фарқи йўқ–ку уларнинг.
Юртингнинг дарвозалари ёв учун кенг очилди,
Дарвозаларнинг тамбаларини олов йўқ қилди.

14 Қамалга тайёрлангин!
Сувга тўлдир идишларингни!
Мустаҳкамла қўрғонларингни!
Оёқ билан эзгин лойни,
Тайёрла тезроқ қолипларингни!
15 Барибир олов сени ямлаб юборар,
Чигиртка* экинларни қиртишлагандай,
Қилич сени қириб ташлар.

Чигирткадай кўпаявер!
16 Савдогарларингни осмондаги юлдузлардан ҳам кўп қилдинг,
Бироқ улар чигирткадай юртингни талашар,
Сўнг қанот қоқиб учиб кетишар.
17 Совуқ кунда деворларга қўнадиган,
Қуёш чиққач эса учиб йўқ бўладиган
Чигирткадайдир сенинг посбонларинг,
Чигиртка галасидайдир сенинг саркардаларинг.
Улар қаерга ғойиб бўлганини билмайди ҳеч ким.

18 Эй Оссурия шоҳи,
Раҳнамоларингнинг* кўзи юмилган,
Йўлбошчиларинг абадий уйқуга кетган,
Сенинг халқинг тоғларга тарқалган,
Уларни йиғадиган бирор кимса йўқ.
19 Сенинг ярангни даволаб бўлмас,
Жароҳатинг ҳалокатлидир.
Бу ҳақда хабар топган ҳамма одамлар
Хурсандлигидан чапак чалар.
Зотан, ҳеч ким чексиз зулмингдан
Қочиб қутула олмаган.

ИЗОҲЛАР

Найнаво — Ниневия номи билан ҳам маълум бўлиб, ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди.

Юнус пайғамбар даврида…тавба қилган эди… — Юнус 3:1-10 га қаранг. Юнус пайғамбар тахминан милоддан олдинги 750-725 йилларда фаолият кўрсатган.

Исроил — мазкур китобда шимолий шоҳлик *Исроил* деган ном билан, жанубий шоҳлик эса *Яҳудо* деган ном билан юритилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ ва ЯҲУДО сўзларига қаранг.

1:1 *Найнаво шаҳри* — Оссурияянинг пойтахти. Бу шаҳар Ниневия номи билан ҳам маълум.

1:1 *Элқўш* — Яҳудо юртидаги бир қишлоқ бўлиши мумкин.

1:2 *рашкчи* — Чиқиш 34:13-14 га қаранг.

1:4 *Башан ва Кармил…Лубнон…* — бу ерлар ўзларининг ям–яшил яйловлари, гуллари ва дарахтлари билан машҳур эди.

1:12 *Оссурия* — қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво шаҳри ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОССУРИЯ сўзига қаранг.

1:13 *…Оссурия бўйинтуруғи…Кишанларинг…* — Оссурияянинг Яҳудо юрти устидан бўлган сиёсий ҳукмронлигига ишора. Яҳудо юз йилдан ортиқ давр мобайнида Оссурия шоҳига ўлпон тўлаган.

1:15 *Яҳудо халқи* — жанубий шоҳлик назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

2:1-2 *Найнаво* — Ниневия номи билан ҳам маълум.

2:5 *Қалқонлари паноҳида…* — бу ўриндаги ибронийча сўз сипоҳларнинг қалқонларини ёки махсус қурилмани билдиради. Шаҳарга ҳужум қилган сипоҳлар кўчириладиган бундай қурилма ёрдамида ёки қалқонлари билан ўзларини шаҳар деворлари устидаги ҳимоячилардан асрар эдилар. Улар шаҳарни босиб олиш учун шаҳар деворларини тешардилар ёки деворга қиялатиб тупроқ уярдилар.

2:6 *Дарё тўғонлари* — шаҳар ичидан оқиб ўтадиган сувни назорат қилиб, уни бошқариш учун ишлатиладиган, шаҳар ташқарисида жойлашган тўғонлар назарда тутилган. Босқинчилар мана шу тўғонларни бузиб, шаҳар деворларига зиён келтирган бўлишлари мумкин. Ёки Нохум мажозий маънода босқинчиларни Худо томонидан юборилган кучли селга ўхшатаётган бўлиши мумкин (1:8 га қаранг).

2:8 *ҳовуз* — Найнаво шаҳри шоҳ боғларига сув етказиб берадиган ҳовузлари билан машҳур эди. Матндаги киноя билан муаллиф шаҳар аҳолисини дарз кетган ҳовуздан оқиб кетадиган сувларга ўхшатади, чунки одамлар ўзларини қутқариш учун Найнаводан қочиб кетади.

3:4 *Найнаво* — Ниневия номи билан ҳам маълум.

3:4 *…бузуқ фоҳишадай…* — Найнаво аҳолисининг хатти–ҳаракатлари ва қилмишларига мос образ. Найнаво Оссурия куч–қудратининг маркази ва маъбуда Иштарга қилинадиган сажданинг ўчоғи эди. Бутхонадаги фоҳишалар билан жинсий алоқа маъбуда Иштарга сажда қилиш маросимининг бир қисми эди.

Айрим ҳолларда, сажда қилувчилар Иштарнинг ўзини ҳам фоҳиша деб атардилар. Оссурия фоҳишага ўхшаб бошқа халқларни қудрати билан ўзига ром қилган эди. Аммо кейинчалик бу халқлар Оссурияга боғланиб қолганларидан афсусланар эдилар, чунки Оссурия уларни душманлардан ҳимоя қилса ҳам, уларни қаттиқ назорат остига олган эди ва улардан катта ўлпон тўлашни талаб қиларди (4 Шоҳлар 16:7-9, 17:1-6 га қаранг).

3:8 *Нў–Омон* — Фива номи билан ҳам маълум. Фива шаҳри Миср жанубий ҳудудининг маркази бўлиб, Миср тарихида бирмунча вақт пойтахт ҳам бўлган эди. Милоддан олдинги 663 йилда Оссурия шоҳи Ашшурбанапал томонидан босиб олинган ва шаҳарнинг баъзи қисмлари вайрон қилинган.

3:9 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

3:9 *Ливия* — ибронийча матнда бу юртнинг қадимги ном *Фут*. Бу ўринда Фут ва Луб номлари Ливиянинг иккита ҳудудига нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин.

3:11 *…маст бўлиб, гандираклаб қоласан…* — бу ўринда шароб Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (Ишаё 51:17-23, Еремиё 25:15-29 га қаранг).

3:15 *Чигиртка* — баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот. Бу ўринда Нохум Найнавога ҳужум қиладиган лашкарга чигирткалар тўдаси деб ишора қилади. Аммо муаллиф шу бобнинг 16-17–оятларида Найнаво шаҳрининг аъёнларини, савдогарларини ва қўриқчиларини чигирткаларга ўхшатади.

3:18 *Раҳнамолар* — ибронийча матнда *Чўпонлар*. Йўлбошчилар ва ҳукмдорларга нисбатан қўлланган шеърий усул.

ХАБАҚҚУҚ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Хабаққуқ пайғамбар Яҳудо юртининг қулаши арафасида фаолият кўрсатган. Бобилликлар милоддан олдинги 605 йилда Яҳудо юртига ҳужум қилишган*.

Китобнинг биринчи ва иккинчи бобларида Хабаққуқ пайғамбар билан Худо ўртасидаги суҳбат баён қилинади. Хабаққуқ пайғамбар адолатсизлик ва жиноятларга тўлиб–тошган Яҳудо юрти* ҳақида Худога шикоят қилади. Шунда Худо Хабаққуққа Ўз режасини аён қилиб, Яҳудо халқини Бобилликлар орқали жазоламоқчи эканини айтади. Лекин Хабаққуқ бунга эътироз билдиради. Яҳудо халқидан беш баттар гуноҳкор бўлган Бобилликларни Худо жазо воситаси сифатида ишлатишини Хабаққуқ ҳеч тушунмайди. Бу унга адолатсизликдай туюлади. Бироқ Худо Хабаққуққа жавоб бериб, вақти келиб Бобилликларни ҳам жазолашини айтади.

Худодан жавоб олган Хабаққуқ пайғамбар Худога бўлган ишончини эълон қилиб, китобни гўзал қўшиқ билан якунлайди. У Худога шукроналар айтиб, Худонинг беқиёс қудрати ва улуғворлигига ҳамду санолар куйлайди.

1–БОБ

1 Хабаққуқ пайғамбарга ваҳий орқали аён бўлган башорат.

Хабаққуқ Худога адолатсизликдан шикоят қилади

2 Эй Эгам, қачонгача Сендан ёрдам сўраб ёлвораман?!
Менга қулоқ соласанми ўзи?!
Қачонгача: “Зўравонликдан қутқар!” деб илтижо қилаверараман?!
Бизга нажот берасанми ўзи?!
3 Нима учун ноҳақликка қараб туришим керак?!
Бундай ҳақсизликка қандай чидай оляпсан?!
Атрофимга назар солсам, зўравонлигу талончиликни кўраман.
Жанжал ва уруш авж олмоқда.
4 Оқибатда қонун ўз кучини йўқотди, адолат эса поймол бўлди.
Фосиқлар солиҳлардан баланд келгани учун ноҳақ ҳукм чиқариляпти.

Худо Хабаққуққа жавоб беради

5 Атрофдаги халқларга назар солинглар! Уларга яхшилаб қаранглар!
Кўрганингиздан ҳайратда қоласизлар.
Сизнинг даврингизда Мен шундай бир иш қиламанки,
агар эшитсангиз қулоғингизга ишонмайсизлар.
6 Мана, Мен Бобилликларни* ғоят кучайтирмоқдаман.
Бу халқ шафқатсиз ва тажовузкордир.
Улар дунёнинг ҳар томонига юриш қиладилар, ўзга юртларни босиб оладилар.
7 Ҳаммани қўрқув, ваҳимага соладилар.
Ўзига хон, ўзига бек бўлган такаббурдир улар.
8 Уларнинг отлари қоплондан чаққон, кечаси изғийдиган бўрилардан хавфли.
Отлиқлари узоқдан отларини елдириб келишади, ўлжасига ташланадиган бургут каби учиб келишади.
9 Уларнинг тўдалари зўравонлик мақсадида келишади.
Улар саҳродан келадиган қуюн каби бўлиб, қум йиққандай асирларни йиғишади.
10 Шоҳларни мазахлашади, ҳукмдорларни масхара қилишади.
Мустаҳкам шаҳарлар устидан кулишади.
Ўша шаҳарлар деворларига қиялатиб тупроқ уядилар*.
Уларни қўлга киритадилар.
11 Сўнг шамол каби тез ўтиб кетишади.
Улар ўз кучини худо деб

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

биладилар, шунинг учун жазодан қоча олмайдилар.

Хабаққуқ Худога яна шикоят қилади

12 Эй Эгам Худо, Муқаддас Худойим! Доимо мавжуд бўлган Худо Сен эмасми?!
Шундай экан, Бобилликлар дастидан биз йўқ бўлиб кетмаймиз. Эй Эгам! Сен,
ҳукмимни амалга оширсин, деб Бобилликларни танладинг. Эй суянган Қоям! Сен,
халқимни жазоласин деб, уларни тайинладинг. 13 Сенинг кўзларинг шу қадар
покизаки, Сен ёвузликка қараб туролмайсан. Ҳақсизликка чидай олмайсан.
Ҳайронман, қандай қилиб бу маккор одамларга чидаб юрибсан?! Бу қабиҳлар
ўзларидан солиҳроқ халқни ямлаб ютяпти–ку, қандай қилиб уларга индамай жим
турибсан?!
14 Сен одамларни денгиздаги балиқлар каби қилдинг, йўлбошчиси бўлмаган
денгиз махлуқларига ўхшатиб қўйдинг. 15 Бобилликлар одамларни ўз қармоғига
илинтирадилар. Тўр ташлаб балиқ овлагандай уларни овлайдилар. Ёйма
тўрларига* тушириб, қирғоққа тортиб чиқарадилар. Овини кўргач, хурсанд бўлиб
севинадилар. 16 Ҳа, тўрлари туфайли улар мўл ўлжа оладилар, сара таомлардан
тановул қиладилар. Шунинг учун тўрларига атаб қурбонликлар келтирадилар,
ёйма тўрларига атаб тутатқилар тутатадилар*.
17 Қачонгача улар тўрлари билан элларни овлайдилар?! Қачонгача халқларни
шафқатсиз нобуд қиладилар?!

2–БОБ

1 Мен минорага чиқиб оламан. Шаҳар деворидан олисларга қараб, Эгамнинг
жавобини кутаман. Шикоятимга жавоб берганда, Унга нима айтишимни ўйлаб
кўраман*.

Худо Хабаққуққа жавоб беради

2 Эгамиз менга шундай жавоб берди: “Сенга аён қилган сўзларимни тош
лавҳаларга аниқ қилиб ёз, югуриб кетаётган одам уни бир қарашданоқ ўқий
оладиган бўлсин. 3 Башорат белгиланган вақтда амалга ошади. Ўша вақт ҳадемай
етиб келади, башорат рўёбга чиқади. Борди–ю, у кечикадиган бўлса, сабр қилгин.
У албатта бажо бўлади, кеч қолмайди.
4 Менга қара! Тўғри йўлдан юрмаганлар ҳалок бўлади*. Солиҳлар эса Худога
бўлган садоқати* туфайли тирик қолади.”

Хабаққуқ фосиқларнинг жазо олишини эълон қилади

5 Бойлик* алдамчидир. Бойлар такаббурдирлар, улар ҳеч қачон
тиниб–тинчимайдилар. Улар ўликлар диёри каби очкўз, ўлим каби тўймайдилар.
Улар халқларни ўзларига тобе қилишади, элларни қўл остига олишади.
6 Асирликка тушганлар уларни нафратомуз мазах этадилар, масхара қилиб,
шундай айтадилар:

> “Эй бировнинг бойлигини талаб, уюм қилганлар, сизнинг ҳолингизга
> вой! Сизлар бировнинг нарсасини қайтармай, қарзларингизни* орттириб
> юрибсизлар. Бундай ҳол узоққа чўзилармиди?! 7 Қарзларингизни
> қистайдиганлар тўсатдан пайдо бўлади. Улар келиб, сизларни даҳшатга
> солишади. Шунда сизлар улар учун ўлжа бўласизлар. 8 Сизлар кўп
> халқларни таладингиз. Одамларнинг қонини тўкдингиз, юртлару
> шаҳарларни вайрон қилиб, у ердагиларни нобуд қилдингиз. Шунинг учун
> омон қолган халқлар энди сизларни талон–тарож қиладилар.
> 9 Эй ҳаром йўл билан бойлик топиб, уйига ташиганлар, сизнинг

ҳолингизга вой! Сизлар уйларингизни баландликда қуриб, ўзингизни
кулфат чангалидан асрамоқчи бўлдингиз. 10 Аммо ҳийлаларингиз
хонадонингизни шарманда қилди. Сизлар кўп халқларни нобуд
қилганингиз учун ўз бошингизга етдингиз. 11 Ҳатто уйингиз деворидаги
тошлар зўравонлигингиздан дод солади. Тўсинларнинг ноласи акс садо
бўлиб чиқади.
12 Эй қотиллик ила шаҳарлар қурганлар, ҳолингизга вой! Эй зўравонлик
ила қўрғонларга асос солганлар, ҳолингизга вой! 13 Эллар беҳуда
тинкасини қуритади. Халқларнинг тер тўкиб эришганлари оловга ем
бўлади. Бу Сарвари Оламнинг иши эмасми?!

14 Ҳа, сувлар тўлдиргандай денгизни,
Ер юзи тўлиқ билиб олади Эгамизнинг улуғворлигини.

15 Эй қўшни халқларга шаробни зўрлаб ичирганлар, ҳолингизга вой!
Яланғоч баданларини томоша қилайлик деб, уларга ғазабингиз
шаробидан* ичирдингиз. Уларни маст қилдингиз. 16 Бироқ сизлар обрў
топмай ўзингиз шармандаликдан маст бўласизлар. Қани, ичинг! Яланғоч
танангизни кўрсатинг! Ана, Эгамизнинг ўнг қўлидаги жазо косаси сизларга
етиб келди! Обрўйингиз тўкилиб, шармандангиз чиқади. 17 Ҳа, Лубнонда
қилган зўравонлигингиз* ўз бошингизга етади. У ерда ёввойи ҳайвонларни
қирдингиз, энди ҳайвонлар сизларни даҳшатга солади. Чунки сизлар
юртлару шаҳарларни вайрон қилдингиз. Одамларнинг қонини тўкиб,
уларни нобуд қилдингиз.

18 Инсон ясаган бутдан не фойда?! Санамнинг фойдаси борми ёлғондан
бошқа?! Нега одам ўзи ясаган нарсасига умидини боғлайди?! Нега тили йўқ
бир бутни ясайди?! 19 Ҳолингизга вой, эй бир парча ёғочга «Уйғон!»
деганлар! Ҳолингизга вой, эй тилсиз тошга «Тур!» деб ёлворганлар! Бут
сизга тўғри йўл кўрсатармиди?! Олтину кумуш билан қопланган бутнинг
жони бормиди?!

20 Эгамиз эса Ўзининг муқаддас Маъбадидадир.
Унинг олдида бутун дунё сукут сақласин!”

3–БОБ

Хабаққуқ ибодат қилади, ваҳийда Худони илоҳий жангчи тимсолида кўради

1 Хабаққуқ пайғамбарнинг куйга солинган ибодати қуйидагича:

2 “Эй Эгам, мен Сенинг шуҳратинг ҳақида эшитдим. Қилган буюк ишларингдан
ҳайратда қолдим. Эй Эгам, бизнинг давримизда ҳам шундай ишларингни қилгин.
Одамлар Сенинг нималарга қодир эканлигингни билиб қўйишсин.
Ғазабланганингда меҳр–шафқатни эсдан чиқармагин.

3 Худо келади Эдом юртидан*,
Муқаддас Худо келади Порон қирларидан*.
Унинг улуғворлиги кўкни порлатар,
Ҳамду саноларига бутун дунё тўлар.
4 Улуғворлиги чақмоқдай чақнар,
Нур сочилар Унинг қўлидан —

Куч яширинган билагидан.
5 Унинг олдида юради ўлат,
Унинг кетидан эргашади офат.
6 Тўхтаганда ер силкинади,
Назар солганда халқларни титроқ босади.
У юрган кўҳна йўллар бўйидаги
Мангу тоғлар ўпирилиб тушади,
Абадий қирлар чўкиб паст бўлади.
7 Кўшон халқининг қўрққанини мен кўряпман,
Мидиён* халқининг дағ–дағ қалтираганини кўряпман.

8 Эй Эгам, наҳотки ғазаблансанг дарёлардан?!
Наҳот Сенинг жаҳлинг чиқса ирмоқлардан?!
Ёки Сенинг қасдинг бормиди денгиздан?!*
Шунинг учун отларингни чоптирасанми,
Зафарли жанг араваларингга миниб оласанми?!
9 Сен ғилофдан чиқарасан камонингни,
Ўқларга тўлдирасан ўқдонингни.
Дарёлар билан ёрасан ер юзини.
10 Буни кўрганда тоғларни дард тутар,
Шиддатли оқим кўпириб оқар.
Денгиз тубидан нидо янграр,
Денгиз тўлқинлари кўкка интилар.
11 Сенинг ўқларинг учиб чақнайди,
Найзаларинг ялт этиб ёнади.
Бундан қуёшу ой ўз жойида қотиб туради*.
12 Сен жаҳл устида босиб ўтарсан ер юзини,
Ғазабга миниб оёқ ости қиларсан халқларни.
13 Қутқариш учун келасан Ўз халқингни,
Ўз танлаганинг орқали озод қилиш учун уларни*.
Фосиқ халқнинг йўлбошчисини урасан,
Бошдан–оёқ уни шилиб ташлайсан.
14 Ана, ғанимларимиз қуюн каби келяптилар,
Бизни ҳар ёққа тарқатиб юбормоқчи бўляптилар.
Ўз уясида ўлжасини ғажиган йиртқич ҳайвондай,
Осон овидан ўзида йўқ севиняптилар.
Сен эса уларнинг йўлбошчисини ўз ўқлари билан ҳалок қиласан.
15 Отларинг туёқлари денгизни* босиб эзади,
Баҳайбат сувларни бир жойга йиғиб қўяди.”

Хабаққуқ Худога бўлган ишончини эълон қилади

16 Мен буларни* эшитдим.
Шунда увушди менинг юрагим,
Титрай бошлади лабларим,
Мадорим қолмай, қалтиради тиззаларим.
Аммо мен сабр–тоқат қиламан,
Босқинчиларимиз бошига тушадиган кулфат кунини кутаман*.
17 Борди–ю, анжир дарахти гулламай қолса,
Узум токлари мева тугмаса,
Зайтун дарахтлари ҳосил бермаса,

Даладаги экинлар унмай қолса,
Қўраларда қўйлар қолмаса,
Оғилхоналар бўм–бўш бўлса,
18 Шунда ҳам Эгамдан шод бўларман,
Нажоткорим Худодан қувонарман.
19 Эгам Раббий менинг қудратимдир.
У оёқларимни кийик оёғидай қилади,
Чўққилар узра мени бехатар юргизади.

Ижрочилар раҳбарига. Торли асбоблар жўрлигида.

ИЗОҲЛАР

Бобилликлар…Яҳудо юртига ҳужум қилишган — 4 Шоҳлар 24:1-4, Дониёр 1:1-7 га қаранг.

Яҳудо юрти — жанубий шоҳлик назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:6 *Бобилликлар* — ибронийча матнда *Халдейлар*, ўша вақтда Бобилликлар шу ном билан ҳам аталарди.

1:10 *Ўша шаҳарлар деворларига қиялатиб тупроқ уядилар* — қадимги даврларда душманлар девор билан ўралган шаҳарга ҳужум қилаётганларида, кўпинча деворга қиялатиб тупроқ уйганлар. Шу йўл билан улар шаҳарни ҳимоя қилаётган халққа ҳужум қилиш учун деворни бузишга ёки ошиб ўтишга қулай имконият яратганлар.

1:15 *Тўр…Ёйма тўрлари…* — Хабаққуқ балиқ овлашда ишлатиладиган икки хил тўр ҳақида сўз юритиб, Бобил лашкарининг қудратини тасвирлайди. Бу билан у Бобил лашкаридан қочиб–қутулишнинг иложи йўқлигини кўрсатмоқчи. Матнда ишлатилган тўрларнинг биринчиси думалоқ шаклда бўлиб, атрофига тошлар боғланар эди. Бундай тўрдан битта балиқчи фойдаланса ҳам бўларди. Иккинчи тўрнинг шакли эса узун тўртбурчак эди. Бу тўрнинг пастки томонига тошлар боғланар эди. Бундай тўрни бир нечта балиқчилар сувга отиб, уни икки тарафидан қирғоқ томон тортиб балиқ овлашарди.

1:16 *…тўрларига атаб қурбонликлар келтирадилар, ёйма тўрларига атаб тутатқилар тутатадилар* — бу жумла мажозий маънони ифодалаб, Бобилликлар ўз лашкарининг куч–қудратига ва ҳарбий салоҳиятига худога сиғингандай сиғинганларини кўрсатади (шу бобнинг 11–оятига қаранг).

2:1 *Шикоятимга жавоб берганда, Унга нима айтишимни ўйлаб кўраман* — ибронийча матндан. Қадимий сурёнийча таржимада *Қани кўрай–чи, У менинг шикоятимга қандай жавоб бераркан*.

2:4 *Менга қара! Тўғри йўлдан юрмаганлар ҳалок бўлади* — ёки *Такаббурларга бир қара! Улар эгри йўллардан юрмоқда*.

2:4 *Худога бўлган садоқати* — ёки *имони*.

2:5 *Бойлик* — Қумрон қўлёзмаларидан. Ибронийча матнда *Шароб*.

2:6 *қарзларингиз* — мажозий маънода ишлатилган бу сўз бошқалардан зўравонлик билан тортиб олинган нарсаларга ишора қилади. Зўравонлар худди бошқалардан қарз олавериб, ўзининг бошига кулфат келтирадиган одамларга ўхшайди. Мана шу зўравонлар, бир кун келиб, қилмишлари учун жазо оладилар.

2:15 *ғазабингиз шароби* — бу ўринда шароб Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради. Шароб ичавериб маст бўлиб қолган инсон баъзан Худонинг ғазаби остида қолган инсоннинг тимсоли эди (Ишаё 51:17-23, Еремиё 25:15-29 га қаранг). Мазкур оятда Хабаққуқ бу тимсолни Бобилнинг бошқа халқларга бўлган ғазабини — уларни хўрлаганини ва юртларини вайрон қилганини ифодалаш учун ишлатган. Аммо шу бобнинг 16–оятида Хабаққуқ бу тимсол орқали Бобилни огоҳлантириб, Худо уларни жазолайдиган вақт келишини айтади.

2:17 *Лубнонда қилган зўравонлигингиз* — Лубнон тоғлари ўзининг катта садр

дарахтлари ва гўзал табиати билан машҳур эди (Қонунлар 3:25, Забур 103:16-17 га қаранг). Бобилликлар ўша дарахтларнинг кўпини кесиб ташлаган эдилар (Ишаё 14:3-8 га қаранг).

3:3 *Эдом юрти* — ибронийча матнда *Темон*, Эдом юртининг шимолий қисмидаги муҳим шаҳар. Бу ўринда Темон Эдомнинг шеърий номи сифатида ишлатилган (Ҳакамлар 5:4-5 га қаранг).

3:3 *Порон қирлари* — Синай ярим оролининг шарқ томонидаги, Қизил денгизнинг Ақаба қўлтиғи бўйидаги ерлар. Оятдаги Эдом ва Порон номлари Яҳудо халқига ўз тарихини эслатади (Қонунлар 33:2 га қаранг). Худо уларнинг ота–боболарини Мисрдан Синай тоғига олиб бориб, ўша ерда — Порон қирлари яқинида уларга ўнта амрни берган эди. Шундан кейин Худо уларни Эдом юрти орқали шимол томонга, Канъон юртига бошлаб борди ва уларга ўша юртни босиб олишларига ёрдам берди. Бу юртни Худо Иброҳимга ва унинг наслига ваъда қилган эди. Муаллиф шу бобнинг 3-15–оятларида баён қилган ваҳий орқали Яҳудо халқига, Худо сизларнинг ота–боболарингизга ўтмишда қандай мадад берган бўлса, сизларга ҳам шундай қилади, дея далда беради.

3:7 *Кўшон…Мидиён…* — Синай ярим оролида яшаган икки халққа ишора қилинган бўлиши мумкин. Мусо даврида Исроил халқи Мисрдан чиққан пайтда атрофдаги халқлар қўрқувга тушган эдилар (Чиқиш 15:13-16, Ёшуа 2:8-11 га қаранг). Кўшон ва Мидиён номлари ҳакамлар даврида яшаган иккита халқни ҳам билдириши мумкин. Худо улар орқали Исроил халқини гуноҳлари учун жазолаган, кейинчалик эса уларнинг ўзларини ҳам жазолаган эди (Ҳакамлар 3:8-11, 6:1-6, 7:9-25 га қаранг). Худо Бобил халқига нисбатан ҳам худди шу йўлни тутганди. Худо улар орқали Яҳудо халқини жазолаган, кейинчалик эса Бобилликларнинг ўзларини ҳам жазолаган эди.

3:8 *…дарёлар…денгиз…* — Нил дарёси, Қизил денгиз ва Иордан дарёси назарда тутилган бўлса керак (мисол учун, Чиқиш 7:20-24, 14:1-31, Ёшуа 3:1-17 га қаранг).

3:11 *…қуёшу ой ўз жойида қотиб туради* — Ёшуа 10:12-14 га қаранг.

3:13 *…Ўз танлаганинг орқали озод қилиш учун уларни* — ёки *…Ўз танлаганингни озод қилиш учун*. Бу ўринда *Ўз танлаганинг* деб таржима қилинган ибронийча сўз Эски Аҳдда кўпинча Худо томонидан танланган шоҳ ва қутқарувчига ишора қилади. Бобилни босиб олган Форс шоҳи Курушга нисбатан ҳам шу ибронийча сўз ишлатилган (Ишаё 45:1 га қаранг, яна Ишаё 41:2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

3:15 *денгиз* — Чиқиш 14:1-31 га қаранг.

3:16 *булар* — шу бобнинг 3-15–оятларида баён этилган ваҳийга ёки 1:5-11 даги хабарга ишора.

3:16 *Аммо мен…кутаман* — ёки *Чунки мен жимгина кулфат кутишим керак, Юртимизни босиб оладиган халқнинг ҳужумини кутишим керак*.

ЗАФАНИЁ

ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Зафаниё пайғамбар Яҳудо юртида* шоҳ Йўшиё ҳукмронлигининг дастлабки йилларида башорат қилган. Унинг фаолияти шоҳ Йўшиё милоддан олдинги 621 йилда ўтказган ислоҳотлардан* аввалги даврга тўғри келган бўлиши мумкин. Ўша даврда Оссурия* ҳамон қудратли шоҳлик эди. Еремиё ва Нохум пайғамбарлар Зафаниё пайғамбарнинг замондошлари бўлган.

Зафаниё пайғамбар даврида Яҳудо халқи умидини келажакка боғлаб, Худонинг қудрати билан душманларини ер юзидан йўқ қилишга чин дилдан ишонарди. Улар: “Худонинг адолат ўрнатадиган ғалаба кунларини катта тантана билан кутиб оламиз”, деб ният қилиб, ўша даврни “Эгамизнинг куни” деб аташарди. Зафаниё пайғамбар эса халқни огоҳлантириб, “Эгамизнинг куни”да Худо итоатсиз бандаларни жазолайди, деб айтади. Итоатсиз Яҳудо халқи ҳам, бошқа халқлар қатори, қаттиқ жазо олишини Зафаниё башорат қилади. Бироқ шу билан бирга, пайғамбар Худонинг Ўз халқига раҳмдил эканини таъкидлаб ўтади. Халқнинг аччиқ қисматини башорат қилган муаллиф китобни умидбахш сўзлар билан якунлайди. Қуддус келажакда вайрон бўлса ҳам, вақти келиб, бу табаррук шаҳар яна тикланади, у ерни мўмин–қобил, солиҳ одамлар макон қилади, деб ишонч билан таъкидлайди Зафаниё пайғамбар.

1–БОБ

1 Яҳудо юртида* Омон ўғли шоҳ Йўшиё ҳукмронлик қилган даврда* Зафаниёга Эгамиз Ўз сўзини аён қилди. Зафаниё шоҳ Ҳизқиё* авлодидан бўлиб, Кушининг ўғли, Гадалиёнинг невараси ва Эмориёнинг эвараси эди.

Яҳудо халқи жазо оладиган кун яқинлашиб келмоқда

2 Эгамиз шундай демоқда:
“Мен ер юзидаги ҳаммани
Гард қолдирмай супуриб ташлайман.
3 Ҳа, Мен одамлару ҳайвонларни,
Кўкдаги қушлару
Денгиздаги балиқларни супуриб ташлайман.
Ўша ҳайвонлар тасвиридаги бутларни* парчалайман.
Улар қаторида фосиқларни ҳам йўқ қиламан,
Ер юзидаги бутун инсон зотини
Илдизидан қуритиб юбораман.
— Эгамизнинг каломи шудир. —

4 Мен Яҳудо ва Қуддусга қарши қўл кўтараман.
Баалга* сиғинганларни битта қолдирмай йўқ қиламан,
Бутпараст руҳонийларни одамларнинг хотирасидан ўчираман.
5 Томда қуёш, ой, юлдузларга сиғинганларни ҳалок қиламан,
Тўғри, улар Мен, Эгангизга сажда қилиб, садоқат онтини ичади,
Лекин Мўлахга* ҳам топиниб, ваъдалар беришади.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

6 Мен, Эгангиздан юз ўгирган,
Изимдан юрмаган бу одамлар нобуд бўлади,
Менга интилмаган, Мендан ёрдам сўрамаганлар ўлади.”

7 Эгамиз Раббий олдида сукут сақланг!
Зеро, Эгамизнинг куни* яқинлашиб қолди.
Эгамиз Ўз халқини қурбонлик қилишга тайёрлади.
У таклиф қилган меҳмонлар етиб келди.
8 Эгамиз шундай дейди:
“Мен қурбонлик келтирадиган ўша куни
Яҳудо аъёнларини, шоҳнинг ўғилларини,
Бутпарастлик одатларига берилганларнинг ҳаммасини* жазолайман.
9 Бутпарастларга ўхшаб остона ҳатлаганларнинг*
Таъзирини бераман.
Шоҳ саройини зўравонлигу фирибгарликка
Тўлдирганларни* жазолайман.”

10 Эгамиз шундай демоқда:
“Ўша куни Қуддуснинг Балиқ дарвозасидан* фарёд кўтарилади,
Шаҳарнинг Янги даҳасидан дод–вой эшитилади.
Қирлардан вайронагарчилик садолари келади.
11 Эй бозор кўчасида яшайдиганлар, дод солинг!
Ахир, ҳамма савдогарларингиз ҳалок бўлади,
Олди–сотди қилганлар қириб ташланади.
12 Мен ўша куни бир чироқ оламан,
Қуддуснинг ҳар бир бурчагини текшириб чиқаман.
«Эгамизнинг қўлидан на яхшилик, на ёмонлик келади», деб
Ўйлаганларнинг жазосини бераман.
Гуноҳга ботиб ўтирган
Бепарво одамларни жазолайман.
13 Улар уйлар қуришади,
Аммо уйларида яшаш уларга насиб этмайди.
Узумзорлар барпо қилишади,
Аммо шаробидан ичишолмайди.
Бойликлари талон–тарож қилинади,
Қурган уйлари бузиб ташланади.”

14 Оз қолди Эгамизнинг буюк кунига!
Оз қолди! Ўша кун шиддат билан яқинлашмоқда.
Қулоқ солинг! Бу Эгамизнинг кунидир.
Бу кун аччиқ кулфат келтиради,
Ҳатто жасур жангчилар қўрққанидан бақиради.
15 Бу кун Худонинг ғазаб кунидир.
Ўша куни ҳамма азоб–уқубат чекади,
Ҳамма ёқ вайронаю харобазорга айланади.
Зимзиё зулмат куни бўлар ўша кун,
Булут қоплаган тим қоронғи бўлар ўша кун!
16 Мустаҳкам шаҳарлару баланд миноралар
Ҳужум остида қолади,
Бурғу овозию жангга даъват товушларини

Ўша кун ўзида мужассам этади.

17 Эгамиз шундай дейди:
“Одамлар Менга қарши гуноҳ қилдилар,
Шу сабабдан Мен уларнинг бошига кулфат соламан,
Улар кўр одамдай қоқилиб юрадилар.
Уларнинг қони тўкилиб, ерни қоплайди,
Жасадлари тилка–пора бўлиб, ерда гўнгдай ётади.”

18 Эгамизнинг ғазаб кунида
Кумуш ҳам, олтин ҳам уларга нажот бермайди.
Эгамизнинг рашк* ўти
Бутун дунёни куйдириб ташлайди.
Ҳа, ер юзида яшаган ҳаммани
Эгамиз даҳшатли тарзда йўқ қилади.

2–БОБ

Зафаниё халқни тавба қилишга чорлайди

1 Эсингни йиғиб олгин,
Эй шарманда халқ!*
2 Шамол учирадиган сомондай
Йўқ бўлиб кетмасингдан олдин*,
Эгамизнинг алангали қаҳрига
Учрамасингдан олдин,
Эгамизнинг ғазаб куни
Келмасдан олдин эсингни йиғиб олгин!
3 Эгамизнинг амрларига итоат қиладиган,
Эй юртнинг камтарин одамлари,
Эгамизга интилинглар.
Тўғриликка боғланиб,
Мўмин–қобиллик пайида бўлинглар.
Шундагина Эгамизнинг ғазаб кунида
Жазодан қутулиб қолишингиз мумкин.

Яҳудонинг ён–атрофидаги халқларни Эгамиз ҳукм қилади

Филист халқи

4 Ғазо шаҳри* ҳувиллаб қолади,
Ашқалон шаҳри вайрон бўлади.
Ашдод аҳолиси куннинг туш пайтигача ҳайдаб чиқарилади,
Эхрон шаҳри таг–туги билан йўқ қилинади.
5 Эй денгиз қирғоғида яшаётган Филист халқи*,
Сенинг ҳолингга вой!
Эй Канъондаги Филист юрти,
Эгамиз сенга қарши шундай дейди:
“Мен сени вайрон қиламан,
Бирортангни ҳам тирик қолдирмайман.”
6 Эй денгиз қирғоғидаги ўлка,
Сен даштга айланасан.
У ерда чўпонлар чодирлар тикади,

Улар қўй–эчкилари учун қўралар қуради.
7 Яҳудо* халқининг омон қолганлари
Юртингга эгалик қилади.
Чўпонлари юртингда қўй–эчкиларини ўтлатишади,
Улар Ашқалондаги ташландиқ уйларда тунашади.
Ахир, Эгаси Худо уларга ғамхўрлик қилади,
Уларни яна фаровонликка эриштиради.

Мўаб ва Оммон халқи

8-9 Исроил халқининг Худоси —
Сарвари Олам шундай демоқда:
“Мўабликлар халқимни қанчалик таҳқирлаганини,
Оммонликлар* уларни қанчалик хўрлаганини,
Халқимни ҳақоратлаб, юртига таҳдид солишганини эшитдим.
Шундай экан, Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи айтаманки,
Мўаб юрти Садўм шаҳрининг ҳолига тушади,
Оммон юрти Ғамўра шаҳрига* ўхшаб қолади.
Ўша юртлар шўр босган тиканзорларга айланади,
То абад ташландиқ жойлар бўлиб қолади.
Халқимнинг омон қолганлари уларни талон–тарож қилади.
Юртларини ўзларига мулк қилиб олишади.”

10 Улар Сарвари Оламнинг халқини мазах қилганлари учун,
Кеккайиб, мағрурланганлари учун
Бу кўргиликлар бошларига тушади.
11 Эгамиз уларни ваҳимага солади,
Ер юзидаги жамики худоларни йўқ қилади.
Шунда денгиз қирғоғидаги эллар
Эгамизга сажда қилишади.
Ҳар бири ўз юртида Эгамизни мадҳ этади.

Ҳабашистонликлар

12 Эй Ҳабашистонликлар*,
Эгамиз сизларни ҳам қиличи билан ўлдиради.

Оссурия халқи

13 Эгамиз шимолга қарши қўл кўтаради,
У Оссурияни* йўқ қилади.
Найнаво шаҳрини* вайрон қилади,
Уни сувсиз саҳрога айлантиради.
14 У ерда чорва ўтлаб юрадиган бўлади,
Ҳар хил ёввойи ҳайвонлар ором олади.
Сарой вайроналарида бойўғли яшайди,
Ойналаридан унинг товуши эшитилади.
Остоналарида харобалар уюм–уюм бўлиб ётади.
Биноларининг садр ёғочлари шилиб олинади.
15 Бехатар яшаётган манман шаҳар шу кўйга тушади!
“Менга тенг келадигани йўқ”, деб айтаётган шаҳарнинг ҳоли шу бўлади!
Хароб бўлган бу шаҳар
Ёввойи ҳайвонларнинг маконига айланади.
Вайроналар олдидан ўтган–кетганлар
Ундан ҳазар қилиб, ерга тупуриб кетишади.

3–БОБ

Қуддуснинг гуноҳи ва итоатсизлиги

1 Булғанган, бузуқ шаҳарнинг ҳолига вой!
Золимларга тўлиб кетган шаҳарнинг ҳолига вой!
2 У ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди,
Ўзига ҳеч қандай сабоқ олмайди.
Ўз Худоси томон юз бурмайди,
Умидини Эгамизга боғламайди.
3 Шаҳар аъёнлари ўкираётган шерларга ўхшайди.
Ҳакамлари ҳам кечаси оч қолган бўриларга ўхшаб,
Эрталабгача ўлжасидан ҳеч нарса қолдирмайди.
4 Пайғамбарлари катта кетади,
Ҳаммаси қаллоблик қилади.
Руҳонийлари Худонинг уйини ҳаром қилади,
Худонинг қонунини бузади.
5 Аммо Эгамиз ҳамон шаҳардадир.
У доимо тўғри иш қилади,
У ноҳақлик қилмайди асло!
У ҳар куни эрталабдан адолат ўрнатади,
Тонг саҳардан одиллик билан иш тутади,
Фосиқлар эса уялмай ёмонлик қилаверади.

6 Эгамиз шундай дейди:
“Мен халқларни қириб ташладим,
Уларнинг шаҳарларини вайрон қилдим,
Қалъаларини қулатдим.
Ана, кўчалари ҳувиллаб қолди,
Шаҳарларида инсон зоти қолмади.
7 Энди халқим Мендан қўрқар,
Бундан ўзига сабоқ олар, деб ўйлаган эдим.
Қуддусни вайрон қилмайман,
Айтганларимни бошига солмайман, деган эдим.
Аммо улар шунда ҳам,
Қабиҳликлар қилиш иштиёқидан воз кечмадилар.”

Халқлар Эгамизга юз буради

8 Эгамиз шундай демоқда:
“Менинг келишимни кутинглар,
Мен халқларга ҳамла қилиб,
Уларни талон–тарож қиладиган кунни кутинглар.
Мен қарор қилдим: халқларни йиғаман,
Барча элларни тўплаб оламан.
Уларнинг устига ғазабимни сочаман,
Алангали қаҳримни уларга ёғдираман.
Рашким ўти бутун дунёни куйдириб ташлайди.

9 Кейин Мен барча халқларнинг нутқини ўзгартираман,
Шунда улар бутларга илтижо қилишмайди*,
Фақат Мен, Эгангизгагина ибодат қилишади.

Биргаликда Менга хизмат этишади.
10 Олис юртлардан ихлосмандларим келишади,
Ҳабашистондаги* дарёларнинг нариги томонидан,
Менга назрлар олиб келишади.

11 Эй халқим, ўша куни сизлар уялиб қолмайсизлар,
Олдинлари Менга бўйсунмаганингиздан ўшанда хижолат тортмайсизлар.
Ахир, Мен орангиздаги такаббур одамларни йўқ қиламан.
Шунда муқаддас тоғимда* ўзларингизни катта тутмайдиган бўласизлар.
12 Мен фақат камтарин ва итоаткор одамларни қолдираман.
Улар Мен, Эгангиздан паноҳ топадилар.
13 Исроил* халқининг омон қолганлари
Ҳеч ёмонлик қилмайдилар.
Улар ҳеч кимни алдамайдилар,
Оғизларидан ёлғон сўз чиқмайди.
Улар яйловда ўтлаб юрган қўйлардай ором оладилар,
Ҳеч ким уларни безовта қилмайди.”

Севинч қўшиғи

14 Эй Исроил халқи, севинч ила ҳайқиринг!
Эй Қуддус аҳолиси, куйланг!
Эй Сион* аҳли, бутун қалбингиздан шодланинг!
15 Эгамиз сизларни жазолаб бўлди,
Душманларингизни У қувиб юборди.
Исроилнинг Шоҳи — Эгамиз орангиздадир.
Сиз энди кулфатдан қўрқманг.
16 Ўша куни Қуддусга шундай сўзлар айтилади:
“Эй Сион аҳолиси, қўрқманг! Асло бўшашманг!
17 Эгангиз Худо сизнинг орангиздадир,
Сизга зафар келтирувчи жангчи Ўшадир.
У сизни деб хурсанд бўлиб севинади.
Ўз севгиси ила қўрқувларингиздан халос қилади*.
Ҳа, сизни деб шод бўлиб куйлайди.”

18 Эгамиз шундай дейди:
“Эй сургун бўлганлар,
Тайинланган байрамларда сизлар
Қатнаша олмаганингиздан хафасизлар,
Мен сизларни ўз юртингизга олиб келаман,
Бундан буён хор бўлишингизга йўл қўймайман.
19 Сизларга зулм ўтказган халқлар билан
Ўшанда Ўзим ҳисоб–китоб қиламан.
Мен чўлоқларни қутқараман,
Ҳайдаб юборилганларни йиғиб оламан.
Улар шарманда бўлган ҳар бир юртда
Обрў ва шуҳрат топадилар.
20 Ҳа, ўша вақтда сизларни йиғиб оламан,
Уйларингизга элтиб қўяман.
Сизларни яна фаровонликка эриштираман,
Буни ўз кўзингиз билан кўрасиз,

Халқларнинг ҳурмату мақтовларига сазовор бўласиз.”

Эгамизнинг каломи шудир.

ИЗОҲЛАР

Яҳудо юрти — жанубий шоҳлик назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

шоҳ Йўшиё...ўтказган ислоҳотлар... — 4 Шоҳлар 23:1-28 га қаранг.

Оссурия — қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво шаҳри ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОССУРИЯ сўзига қаранг.

1:1 *Яҳудо юрти* — жанубий шоҳлик назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

1:1 *...шоҳ Йўшиё ҳукмронлик қилган давр...* — милоддан олдинги 640-609 йиллар.

1:1 *шоҳ Ҳизқиё* — ибронийча матнда *Ҳизқиё*. Бу ўринда милоддан олдинги 716-687 йилларда ҳукмронлик қилган Яҳудо шоҳи назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, Зафаниё шоҳ Йўшиёнинг қариндоши бўлган.

1:3 *Ўша ҳайвонлар тасвиридаги бутлар* — ибронийча матнда *Қоқилтирадиган тошлар*. Мазкур оятда бу ибронийча ибора бутларга ишора қилиши мумкин (Қонунлар 4:15-18, 35-26 га қаранг).

1:4 *Баал* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, эркак қиёфасида тасаввур қилинган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БААЛ сўзига қаранг.

1:5 *Мўлах* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Малкам*. Мўлах Оммон халқининг худоси эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МЎЛАХ сўзига қаранг.

1:7 *Эгамизнинг куни* — Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бир неча марта учрайдиган ибора. Кўпинча бу ибора Худо берадиган жазога ишора қилади. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

1:8 *Бутпарастлик одатларига берилганларнинг ҳаммаси* — ибронийча матнда *Ажнабий кийим кийганларнинг ҳаммаси*. Мазкур оятда бу ибронийча ибора бутпарастларнинг урф–одатларига амал қилишни билдиради (4 Шоҳлар 10:22 га қаранг).

1:9 *Бутпарастларга ўхшаб остона ҳатлаганлар* — бутпарастларнинг иримига ишора (1 Шоҳлар 5:4-5 га қаранг).

1:9 *Шоҳ саройини зўравонлигу фирибгарликка Тўлдирганлар* — шоҳнинг амалдорлари ва ўғилларига ишора бўлса керак (шу бобнинг 8–оятига қаранг).

1:10 *Балиқ дарвозаси* — Қуддуснинг шимол тарафидаги асосий дарвоза.

1:18 *рашк* — Чиқиш 34:13-14 га қаранг.

2:1 *шарманда халқ* — Яҳудо халқига ишора.

2:2 *Шамол учирадиган сомондай Йўқ бўлиб кетмасингдан олдин...* — ёки *Ҳукм бошланмасдан олдин, Сенга тавба қилиш учун берилган вақт сомондай учиб кетишидан олдин....*

2:4 *Ғазо шаҳри* — Филист халқи қуйидаги бешта шаҳар–давлатни барпо қилган

эди: Ғазо, Ашдод, Ашқалон, Эхрон ва Гат. Бу шаҳарлар Филистияда, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди.

2:5 *Филист халқи* — ибронийча матнда *Харет халқи*. Ўша вақтда Филистлар шу ном билан ҳам аталарди. Бу ном Крит сўзидан олинган бўлиши мумкин. Филистларнинг аждодлари Крит оролидан келган эдилар (Еремиё 47:4, Амос 9:7 га ва ўша оятларнинг иккинчи изоҳига қаранг).

2:7 *Яҳудо* — 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:8-9 *…Мўаб…Оммон…* — Мўаб Ўлик денгизнинг шарқида, Оммон Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган юртлар эди.

2:8-9 *…Садўм шаҳри…Ғамўра шаҳри…* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

2:12 *Ҳабашистонликлар* — ибронийча матнда *Кушликлар*. Куш деган жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди.

2:13 *Оссурия* — қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво шаҳри ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОССУРИЯ сўзига қаранг.

2:13 *Найнаво шаҳри* — Ниневия номи билан ҳам маълум.

3:9 *…улар бутларга илтижо қилишмайди…* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *…уларнинг лаблари пок бўлади…*. Мазкур жумла халқлар бутларга ибодат қилмасликларига ва топинмасликларига ишора қилади.

3:10 *Ҳабашистон* — ибронийча матнда *Куш*. Бу жой Мисрдан жанубда бўлиб, ҳозирги Судан ва Эфиопия мамлакатларининг бир қисмини ўз ичига олган эди. Мазкур оятда Қуддусдан узоқда бўлган жойлар назарда тутилган бўлиши мумкин.

3:11 *муқаддас тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

3:13 *Исроил* — бир пайтлар Исроил номи шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ сўзига қаранг). Зафаниё даврига келиб, ўша шоҳлик йўқ бўлиб кетган эди. Шу сабабдан мазкур оятдаги бу ном Худонинг жамики халқига ишора қилади (шу бобнинг 14, 15–оятларида ҳам бор).

3:14 *Сион* — шу бобнинг 11–ояти изоҳига қаранг.

3:17 *Ўз севгиси ила қўрқувларингиздан халос қилади* — ёки *Сизга бўлган севгиси туфайли У сукут сақлайди*.

ХАГГЕЙ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Мазкур китоб милоддан олдинги 520 йилда Худо Хаггей пайғамбар орқали юборган хабарлардан ташкил топган тўпламдир. Милоддан олдинги 538 йилда Форс шоҳи Куруш берган фармонга кўра, яҳудийлар Бобилдан Қуддусга қайтиб, Маъбадни қайта қуришга киришадилар*. Бироқ кўп қаршиликлар сабабли қайта қуриш ишлари тўхтаб қолади*.

Милоддан олдинги 520 йилгача яҳудийларнинг аксарият қисми Бобилдаги сургундан қайтиб келади. Бироқ одамлар Худонинг уйига эътиборсиз бўлиб, фақат ўз уйларини қуриш, шинам қилиш билан овора бўлишади. Халқнинг Худога бўлган бундай ҳурматсизлиги ва итоатсизлиги кўп кулфатларга сабаб бўлади: осмондан шудринг тушмайди, ер ҳосил бермайди, юртда қаҳатчилик ҳукм суради, халқ қашшоқлашади, қилган меҳнатлари самарасиз бўлади.

Хаггей пайғамбар бепарво бўлган Яҳудо халқини Маъбадни тиклашга чақиради. Зеро, шу орқалигина халқ Худога ўзининг чин ҳурмати ва эътиборини намоён қила оларди. Халқ Маъбадни қуришни бошлагандан кейин, Худо уларга барака беришни ва юртига фаровонлик ато этишни ваъда қилади.

1–БОБ

Маъбадни қайтадан қуриш тўғрисида Эгамизнинг амри

1 Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили* олтинчи ойининг* биринчи куни
эди. Эгамиз Хаггей пайғамбар орқали Яҳудо* ҳокими Шалтиёл ўғли Зарубабелга*
ва олий руҳоний Ёҳузадах ўғли Ёшуага қуйидаги сўзларини аён қилди:

2-3 Саррвари Олам шундай демоқда: “Бу халқ: «Эгамизнинг уйини қуриш
вақти ҳали келгани йўқ», деб айтади. 4 Эй Исроил халқи, Менинг уйим
вайрон бўлиб ётганда*, сизлар ҳашаматли уйларда яшашингизнинг
вақтими?!” 5 Мана энди Саррвари Олам демоқда: “Ўз аҳволингизга қараб,
яхшилаб ўйлаб кўринглар–чи! 6 Кўп экиб, кам ўрасиз. Овқат ейсиз–у,
тўймайсиз. Ичасиз, аммо чанқоғингиз қонмайди, устингизга киясиз–у,
исинолмайсиз. Ким пул ишласа, унинг пули йиртиқ ҳамёнга тушади.”
7 Саррвари Оламнинг каломи шудир: “Ўз аҳволингизга қараб, яхшилаб
ўйлаб кўринг, ахир! 8 Тоғларга чиқиб, ёғоч олиб тушинглар–да, Менинг
уйимни қуринглар. Мен уни кўриб завқланаман, у ерда улуғланаман, —
дейди Эгамиз. — 9 Кўп ҳосил олишни умид қилган эдингиз, мана кам
олдингиз. Уйга олиб келганингизни сочиб юбордим. Нима учун?” Саррвари
Олам шундай демоқда: “Менинг уйим вайрон бўлиб ётган пайтда, сизлар
фақат ўз уйингиз ҳақида ўйлаганингиз учун шундай қилдим. 10 Сизларнинг
дастингиздан осмондан шудринг тушмади, ер ҳам ҳосил бермади. 11 Мен
далаларга, қирли жойларга қурғоқчилик* келтириб, дон, узум шарбати ва
зайтун мойини қуритдим. Ердан чиққан барча ҳосилни йўқ қилдим,
одамлар ва ҳайвонларни қийинчиликларга дучор қилдим. Инсонларнинг
ўз қўллари билан қилган меҳнатларини пучга чиқардим.”

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Халқ Худонинг буйруғига бўйсунади

12 Шундан кейин Зарубабел, олий руҳоний Ёшуа* ва сургундан қайтиб келган
барча халқ ўзларининг Эгаси Худога итоат қилишди. Ўзларининг Эгаси Худо
юборган Хаггей пайғамбарнинг сўзларига қулоқ солишди, чунки улар Эгамиздан
қўрқарди.
13 Эгамизнинг элчиси Хаггей Унинг қуйидаги сўзларини халққа етказди:
— Эгамизнинг каломи шудир: “Мен сизлар билан биргаман.”
14 Яҳудо ҳокими Зарубабелни, олий руҳоний Ёшуани ва сургундан қайтиб
келган бутун халқни Эгамиз руҳлантирди. Шунда улар ҳаммалари келиб,
ўзларининг Худоси, Сарвари Оламнинг уйини тиклашни бошладилар. 15 Шоҳ Доро
ҳукмронлигининг иккинчи йили олтинчи ойининг* йигирма тўртинчи кунида
Маъбаднинг қайта қурилиши бошланди.

2–БОБ

Янги Маъбаднинг улуғворлиги

1 Ўша йилнинг* еттинчи ойи*, йигирма биринчи кунида Эгамиз яна хабар
юбориб, қуйидаги сўзларни Хаггей пайғамбарга аён қилди:

2 Яҳудо* ҳокими Шалтиёл ўғли Зарубабелга*, олий руҳоний Ёҳузадах
ўғли Ёшуага ва сургундан қайтиб келган бутун халққа шу гапларни етказ:
3 “Орангизда олдинги Маъбаднинг* шуҳратини кўрганлар борми? Ҳозирги
кўриниши қандай? Олдингиси билан солиштирганда буниси арзимаган
бир нарсадай–ку, ахир! 4-5 Эгамизнинг каломи шудир: «Энди дадил бўл, эй
Зарубабел! Дадил бўл, эй олий руҳоний Ёшуа! Эй сургундан қайтиб келган
шу юрт аҳли, энди дадил бўлинглар!» Сарвари Олам шундай демоқда:
«Менинг Руҳим ҳали ҳам сизларнинг орангизда, қўрқманглар. Ишга
киришинглар, чунки Мисрдан чиққанингизда сизларга берган ваъдамга
биноан Мен сизлар билан биргаман.»
6 Ахир, Сарвари Оламнинг каломи шудир: «Бирпасдан кейин яна еру
осмонни, денгиз ва қуруқликни ларзага соламан. 7 Барча халқларни
титратаман, уларнинг хазинаси шу ерга келтирилади.» Сарвари Олам
демоқда: «Ўшанда Мен мана шу Маъбадни ҳашамат билан бой қиламан.»
8 Сарвари Оламнинг каломи шудир: «Кумуш Меники, олтин ҳам
Меникидир.» 9 Сарвари Олам айтмоқда: «Бу Маъбаднинг кейинги шуҳрати
олдингисидан ҳам улуғроқ бўлади.» Сарвари Оламнинг каломи шудир:
«Мана шу ерга тинчлик ато қиламан.»”

Итоаткорликдан келган барака

10 Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили*, тўққизинчи ойнинг* йигирма
тўртинчи кунида Хаггей пайғамбар орқали Эгамизнинг қуйидаги сўзлари аён
бўлди. 11 Хаггей руҳонийларга деди:

— Сарвари Олам шундай айтмоқда: “Руҳонийлардан қонун бўйича
қуйидаги ҳолатларни ажрим қилишни сўра: 12 агар бирортаси кийимининг
этагида қурбонликдан олинган муқаддас гўштни олиб кетаётган бўлса,
ўша кийимнинг этаги билан нон, шўрва, шароб, зайтун мойи ёки бошқа
егуликларга тегиб кетса, ўша нарсалар ҳам муқаддас ҳисобланадими?”
Руҳонийлар Хаггейга:
— Йўқ*, — деб жавоб бердилар.

13 Хаггей яна сўради:
— Агар бирортаси инсон жасадига теккани учун ҳаром бўлса–ю, юқорида айтиб ўтилган егуликлардан бирига тегса, ўша егуликлар ҳаром ҳисобланадими?
Руҳонийлар:
— Ҳа*, — деб жавоб бердилар.
14 Шунда Хаггей деди:
— Эгамизнинг каломи шудир: “Мана бу одамлар ҳам, бу халқ ҳам олдимда худди шундайдир*. Улар қилган ишларнинг ҳаммаси, улар келтирган ҳар бир назр ҳам ҳаромдир. 15 Энди сизга нима бўлгани ҳақида ўйлаб кўринг. Менинг Маъбадимни қайта қуришни бошламасингиздан олдин* нималар бўлгани ҳақида ўйлаб кўринг. 16 20 чора дон оламан деб, хирмонга борганингизда, у ерда фақат 10 чора дон бўларди. Хумдан 50 кўза шароб оламан деб, борганингизда эса фақат 20 кўза шароб топардингиз.” 17 Эгамиз демоқда: “Меҳнатингизнинг барча самарасини йўқ қилай деб гармсел*, шира ва дўл юбордим. Шунда ҳам Менга қайтишни рад қилдингиз. 18-19 Аммо бугун*, тўққизинчи ойнинг йигирма тўртинчи кунидан бошлаб, сизларга нима бўлишига эътибор беринглар. Маъбадимнинг пойдевори ётқизилганига анча бўлди*. Ўшандан бери, эккан уруғларингиз деярли ҳосил бермас эди, токларингиз, анжирларингиз, анорларингиз ва зайтун дарахтларингизнинг ҳосили бебарака эди. Аммо бугундан бошлаб, Мен сизларга барака бераман.”

Эгамизнинг Зарубабелга берган ваъдаси

20 Ўша куни*, ойнинг йигирма тўртинчи кунида Эгамиз яна хабар юбориб, қуйидаги сўзларни Хаггей пайғамбарга аён қилди:

21 Яҳудо ҳокими Зарубабелга айт: “Осмон ва ерни ларзага соламан.
22 Шоҳликларнинг тахтларини ағдараман, халқларнинг шоҳликларига барҳам бераман. Жанг аравалари ва уларнинг устидагиларни ағдараман. Отлар, чавандозлар йиқилади, ҳамма бир–бирининг қиличидан ҳалок бўлади.
23 Эгамизнинг каломи шудир: «Эй қулим Шалтиёл ўғли Зарубабел, ўша куни, — демоқда Сарвари Олам, — сени Ўз муҳр узугимдай қиламан*, чунки Мен сени танлаганман.» Сарвари Оламнинг каломи шудир.”

ИЗОҲЛАР

...яҳудийлар Бобилдан Қуддусга қайтиб, Маъбадни қайта қуришга киришадилар — Эзра 1:1-11, 3:7-13 га қаранг.

...қайта қуриш ишлари тўхтаб қолади — Эзра 4:1-5 га қаранг.

1:1 *Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили* — милоддан олдинги 520 йил. Доро милоддан олдинги 522-486 йилларда Форс шоҳлигида ҳукмронлик қилган.

1:1 *олтинчи ой* — иброний календарининг Элул ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан августнинг ўртасидан бошланади.

1:1 *Яҳудо* — ўша даврда Яҳудо юрти Форс шоҳлигининг ҳукмронлиги остида бўлган. Яҳудо юрти ҳудудига фақат Қуддус ва унинг атрофидаги ерлар кирарди. Яҳудо шоҳлари ҳукмронлик қилган даврда эса бу юртнинг ҳудуди анча катта эди.

1:1 *Шалтиёл ўғли Зарубабел* — 1 Солномалар 3:17-19 га кўра, Зарубабел Шалтиёлнинг укаси Подиёнинг ўғли эди. Шалтиёл ва Подиё сургун қилинган Яҳудо шоҳи Ёҳайхиннинг ўғиллари бўлиб, Шалтиёл тўнғич фарзанд эди (4 Шоҳлар 24:8-17 га қаранг). Шалтиёлнинг ўғли бўлмаганига икки тахмин мавжуд: у бефарзанд эди ёки фарзандлари бўлган–у, аммо ҳаммаси ҳалок бўлган. Сабаби нима бўлишидан қатъий назар, шоҳ сулоласи Подиё орқали давом этган. Матндаги “Шалтиёл ўғли” ибораси Зарубабел шоҳ Ёҳайхиннинг ҳаққоний тахт вориси эканлигини кўрсатади.

1:4 *...Менинг уйим вайрон бўлиб ётганда...* — Маъбад Бобилликлар томонидан милоддан олдинги 586 йилда вайрон қилинган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг). Бобилда сургунда бўлган яҳудийларнинг биринчи гуруҳи милоддан олдинги 538 йилда Қуддусга қайтиб, Маъбадни қайта қуришни бошлаган эди (Эзра 1:1-11 га қаранг). Милоддан олдинги 536 йилда Маъбаднинг пойдевори битган эди. Аммо Маъбаднинг қайта қурилиши кўп қаршиликлар туфайли милоддан олдинги 520 йилгача тўхтаб қолган эди (Эзра 3:7-4:5 га қаранг).

1:11 *қурғоқчилик* — ибронийчада *қурғоқчилик* ва *вайрон* сўзлари ўзаро оҳангдош. Бу сўз Маъбаднинг аҳволини тасвирлайди (шу бобнинг 4, 9–оятларига қаранг).

1:12 *...Зарубабел, олий руҳоний Ёшуа...* — ибронийча матнда *...Шалтиёл ўғли Зарубабел, олий руҳоний Ёҳузадах ўғли Ёшуа...*.

1:15 *Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили олтинчи ойи* — шу бобнинг 1–оятига ва ўша оятнинг биринчи ва иккинчи изоҳларига қаранг.

2:1 *Ўша йил* — 1:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

2:1 *еттинчи ой* — иброний календарининг Тишри ойи назарда тутилган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан сентябрнинг ўртасидан бошланади.

2:2 *Яҳудо* — 1:1 нинг учинчи изоҳига қаранг.

2:2 *Шалтиёл ўғли Зарубабел* — 1:1 нинг охирги изоҳига қаранг.

2:3 *олдинги Маъбад* — 1:4 изоҳига қаранг.

2:10 *Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили* — милоддан олдинги 520 йил (1:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

2:10 *тўққизинчи ой* — иброний календарининг Хислав ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан ноябрнинг ўртасидан бошланади.

2:12 *Йўқ* — Тавротга кўра, муқаддас гўштга теккан кийим ҳам муқаддас бўларди (Левилар 6:27 га қаранг). Аммо бундай кийимга теккан нарса муқаддас бўлиб қолмасди, чунки муқаддаслик бирин–кетин бошқа нарсаларга ўтиб кетмайди.

2:13 *Ҳа* — Тавротда кўра, ҳаром нарсага теккан одам ҳаром бўларди. Ўша одам теккан ҳар қандай бошқа нарса ҳам ҳаром ҳисобланади (Саҳрода 19:11-13, 22 га қаранг). Муқаддасликдан фарқли равишда (шу бобнинг 12–ояти изоҳига қаранг), ҳаромлик бирин–кетин бошқа нарсаларга ўтиб кетаверарди.

2:14 *...Мана бу одамлар ҳам, бу халқ ҳам олдимда худди шундайдир* — шу бобдаги 12-14–оятларнинг маъноси қуйидагича: халқ ўзларини ўша муқаддас кийимдай ҳисоблардилар (шу бобнинг 12–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Чунки улар Эгамиз билан бўлган муносабатлари орқали муқаддас қилинган эдилар (Чиқиш 19:3-6 га қаранг). Улар, биз Худонинг азиз халқи бўлганимиз учун, Худо бизнинг юртимизга алоҳида барака беради, деб ўйлардилар. Аммо Хаггей халққа аслида вазият қандай эканлигини тушунтиради. Хаггейнинг таъкидлашича, Маъбаднинг вайроналари ҳаром мурдадай эди (шу бобнинг 13–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Халқ Қуддусдаги қурбонгоҳда қурбонликлар келтирса ҳам (Эзра 3:1-6 га қаранг), улар Маъбадга эътиборсизликлари оқибатида ҳаром бўлган эдилар. Худо юртни лаънатлашига ана шулар сабаб бўлган эди (1:3-11 га қаранг). Хаггей халққа танбеҳ бериб, уларни Маъбадни қайта қуришга даъват қилади.

2:15 *Менинг Маъбадимни қайта қуришни бошламасингиздан олдин...* — милоддан олдинги 536-520 йиллар назарда тутилган. Шу йилларда Маъбадни қайта қуриш бўйича ҳеч қандай иш қилинмаган эди (1:4 изоҳига қаранг).

2:17 *гармсел* — ҳосилга катта зиён келтирадиган иссиқ шамол.

2:18-19 *бугун* — шу бобнинг 10–оятига қаранг.

2:18-19 *Маъбадимнинг пойдевори ётқизилганига анча бўлди* — ўн олти йил олдин, яъни милоддан олдинги 536 йил назарда тутилган (1:4 изоҳига қаранг).

2:20 *Ўша куни* — шу бобнинг 10–оятига қаранг.

2:23 *...сени Ўз муҳр узугимдай қиламан...* — муҳр узуги Худо томонидан шоҳга берилган ҳокимият тимсоли эди (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МУҲР сўзига қаранг). Худо Довудга, сенинг наслинг то абад Исроил тахтида ўтиради, деб ваъда берган эди (2 Шоҳлар 7:16 га қаранг). Аммо Довуд наслидан бўлган шоҳ Ёҳайихин қилган гуноҳлари учун Худо томонидан рад этилиб, жазоланган (4 Шоҳлар 24:8-17 га қаранг). Шу боис Ёҳайихин Худо ишлатмайдиган муҳр узугидай бўлиб қолган эди (Еремиё 22:24-30 га қаранг). Шунга қарамай, Худо Довудга берган ваъдасига содиқ қолиб, бу оятда, Довуд наслидан бўлган Зарубабелга, сени муҳр узугимдай қиламан, деб айтган. Довуд сулоласи Ёҳайхиннинг ҳаққоний тахт вориси бўлган Зарубабел орқали давом этган (1:1 нинг охирги изоҳига қаранг).

ЗАКАРИЁ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Мазкур китоб Закариё пайғамбарнинг башоратларидан иборатдир. Закариё пайғамбар Бобилда туғилган. Милоддан олдинги 538 йилда у Бобилдаги яҳудий асирлар билан бирга Қуддусга қайтган эди. Закариё пайғамбар Хаггей пайғамбарнинг замондоши* бўлиб, ундан кейин ҳам кўп йиллар давомида фаолият кўрсатган.

Ўша даврда Яҳудо юрти* Форс империясига қарам эди. Яҳудога қайтган яҳудийлар Маъбадни қайта қуришни бошлагандилар. Аммо халқ тушкунликка тушиб, қурилиш ишларини тўхтатган эди.

Китобнинг биринчи қисмида (1-8–боблар) Худо Закариё пайғамбарга саккизта ваҳий бергани ҳақида баён қилинади. Мажозий образларга бой бўлган бу ваҳийлар орқали Закариё пайғамбар халқни руҳлантиради, Маъбадни охиригача қуришлари учун уларга шижоат бахш этади.

Китобнинг иккинчи қисмида (9-14–боблар) Закариё келадиган шоҳ ҳақида ва Худо халқининг порлоқ келажаги ҳақида гапириб, халққа умид бағишлайди. Китобнинг бу қисмидаги ваҳийлар узоқ келажакка оид бўлиб, бошқа халқларнинг Қуддус ва Яҳудога ҳужум қилиши ҳақида хабар беради. Ўша вақт келганда Яҳудо халқининг кўпчилиги ўлдирилади, лекин Худо Ўз халқининг бир қисмини қутқаради. Шунда Яҳудо халқидан омон қолганлар тавба қилиб, Худога қайтишади, Худо уларни кечиради. Ўша замонда Қуддус шаҳри юксалади. Шаҳардан ҳаётбахш ирмоқлар оқиб чиқади. Бутун ер юзидаги халқлар Худога сажда қилишади.

1–БОБ

Эгамиз халқини Ўзига қайтишга ундайди

1 Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили* саккизинчи ойида* Йиддонинг
набираси — Бархиёнинг ўғли Закариё пайғамбарга Эгамиз Ўз сўзини аён қилди.
2-3 Эгамиз унга қуйидаги хабарни халққа етказишни буюрди:

Эгамиз ота–боболарингиздан қаттиқ ғазабланган эди. Энди Сарвари
Олам шундай айтмоқда:
— Менга қайтинглар, — демоқда Сарвари Олам. — Шунда Мен ҳам
сизларга қайтаман, — дейди Сарвари Олам.
4 Ота–боболарингизга ўхшаган бўлманглар. Олдинги пайғамбарлар
Сарвари Олам номидан уларга:
— Ёмон йўлдан қайтинглар! Қабиҳ қилмишларингиздан тавба
қилинглар! — деб огоҳлантиришган.
Эгамиз шундай демоқда:
— Гарчи Мен ота–боболарингизни огоҳлантирган бўлсам–да, улар
Менинг сўзларимга эътибор бермадилар, Менга қулоқ солмадилар. 5 Қани
энди ўша ота–боболарингиз?! Қани, ўша пайғамбарлар, улар абадий
яшайдиларми?! 6 Ўз қулларим пайғамбарлар орқали айтган сўзларим,

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

огоҳлантиришларим ота–боболарингизнинг бошига тушди–ку! Шунда
улар тавба қилиб: “Сарвари Олам Ўзи режалаштиргандай, юрган
йўлларимиз ва қилмишларимизга яраша бизни жазолади”, деб айтишди.

Закариё кўрган саккизта ваҳий

7 Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили* ўн биринчи ойи — Шебат
ойининг* йигирма тўртинчи кунида Йиддонинг набираси — Бархиёнинг ўғли
Закариё пайғамбарга Эгамиз яна Ўз сўзини аён қилди. Закариё қуйидаги
ваҳийларни кўрди:

Биринчи ваҳий: отлар ва чавандозлар

8 Кечаси мен қизғиш от минган Эгамизнинг фариштасини* кўрдим. У кичик
жарликда мирта буталари* орасида тўхтаб турарди. Унинг орқасида эса қизғиш,
жигар ранг ва оқ отлар минган чавандозлар бор эди. 9 Бошқа бир фаришта мен
билан гаплашаётган эди. Мен ундан:
— Эй тўрам, бу чавандозлар ким бўлди? — деб сўрадим. У шундай деди:
— Уларнинг кимлигини сенга кўрсатаман.
10 Шунда мирта буталари орасидаги фаришта* шундай жавоб берди:
— Эгамиз уларни, бутун ер юзини кезиб чиқсин, деб юборган.
11 Кейин чавандозлар мирта буталари орасидаги Эгамизнинг фариштасига
дедилар:
— Биз бутун ер юзини айланиб чиқдик, бутун дунё ўзига берилган, ўзича тинч
яшаб юрибди.
12 Шунда Эгамизнинг фариштаси шундай деб ёлворди:
— Эй Сарвари Олам, қачонгача Қуддус ва Яҳудо шаҳарларидан Ўз
меҳр–шафқатингни дариғ тутасан?! Ахир, Сен етмиш йилдан* бери улардан
ғазабланиб келяпсан!
13 Шунда Эгамиз мен билан гаплашган фариштага тасалли берувчи, меҳрга
тўла сўзлар билан жавоб берди. 14 Ўша фаришта одамларга қуйидаги хабарни
эълон қилишимни буюрди:

Сарвари Олам шундай айтмоқда:
— Мен Қуддус ва Сионга* жуда ачиниб кетдим. 15 Анави халқлардан эса
қаттиқ ғазабдаман, чунки Ўз халқимдан озгина жаҳлим чиққанда, улар
халқимнинг бошига тушган кулфатни янада орттиришди. Энди эса ўзича
тинч яшаб юришибди.
16 Шунинг учун Эгамиз айтмоқда:
— Мен Қуддусга меҳр–шафқат кўрсатай деб қайтдим. Менинг уйим ўша
ерда қурилади, Қуддус қайтадан қурилиши учун ўлчанади.
Сарвари Оламнинг каломи шудир.

17 Фаришта яна шундай сўзларни эълон қилишимни буюрди:

Сарвари Олам демоқда:
— Менинг шаҳарларимда яна тўкин–сочинлик бўлади. Мен Қуддус
аҳолисини яна бир бор юпатаман, Сионни Ўз шаҳрим деб яна айтаман.

Иккинчи ваҳий: шохлар ва темирчилар

18 Мен тепага қараб, буқанинг тўртта шохини* кўрдим. 19 Мен билан гаплашган
фариштадан:
— Булар нима? — деб сўрадим. У менга деди:
— Бу буқа шохлари Яҳудо, Исроил* халқларини ва Қуддус аҳолисини сочиб

ташлаган ҳукмдорларни* билдиради.
20 Шундан кейин Эгамиз менга тўртта темирчини кўрсатди. 21 Мен яна:
— Бу темирчилар нима қилгани келишяпти? — деб сўрадим. У шундай деб жавоб берди:
— Бошқа ҳеч ким бош кўтармасин деб, тўртта шох Яҳудо халқини сочиб ташлаганди. Энди темирчилар ўша буқа шохларини қўрқувга солишга келишяпти. Ўзга халқлар Яҳудо юртини ўз шохлари билан сузганди, юртнинг халқини сочиб юборганди. Энди темирчилар мана шу халқларнинг шохларини кесиб ташлаш учун келишяпти.

2–БОБ

Учинчи ваҳий: таноби бор киши

1 Мен яна тепага қараб, қўлида таноби* бор бир кишини кўрдим. 2 Ундан:
— Қаерга кетяпсиз? — деб сўрадим. У менга:
— Қуддусни ўлчашга, эни ва узунлиги қанча чиқаркан, шуни билиб келишга кетяпман, — деб жавоб берди.
3 Шундан кейин мен билан гаплашган фаришта кетаётган эди, яна бошқа фаришта унга пешвоз чиқиб, 4-5 шундай деди:
— Югур, бориб ўша йигитга* айт: “Эгамиз айтмоқда:
— Одамлар ва мол–қўйлар кўплигидан Қуддус шаҳрига сиғмай қолади. Уларнинг кўплари шаҳар ташқарисида яшайди, аммо Мен Ўзим уларнинг атрофида олов девордай бўламан. Ўзим шаҳар ичидаги улуғворлик бўламан.”

Лирик чекиниш: сургундагилар ўз ватанига чақирилади

6 “Қани, туринглар! Шимолдаги юртдан қочинглар, — демоқда Эгамиз. — Мен сизларни ернинг тўрт тарафига сочиб ташлаган бўлсам ҳам* туринглар, — айтмоқда Эгамиз. 7 — Эй Бобилда яшайдиганлар, Қуддусга* қочинглар.”
8 Эй Қуддус! Сизларни талон–тарож қилган халқлар олдига Сарвари Олам мени юборди. Шу орқали У Ўз шуҳратини намоён қилмоқчи*. У шундай айтмоқда: “Сизларга текканлар худди Менинг кўз қорачиғимга теккандай бўлади. 9 Қараб туринглар, Мен Ўзим уларга қарши чиқаман. Ўз қуллари уларни талон–тарож қиладилар.” Ҳа, ана ўшанда Сарвари Олам мени юборганлигини англаб етасиз.
10 Эгамиз шундай демоқда: “Қўшиқ куйлаб, хурсанд бўлгин, эй Қуддус халқи! Мен келиб сизларнинг орангизда яшайман. 11 Ўша куни кўп халқлар Менга юз буриб, Менинг халқим қаторига қўшиладилар. Мен сизларнинг орангизда яшайман.” Ҳа, ана ўшанда Сарвари Олам мени юборганини англаб етасиз. 12 Яҳудо муқаддас юртдаги Эгамизнинг мулки бўлади, Эгамиз Қуддусни “Ўз шаҳрим” деб айтади. 13 Эй одамзод, Эгамиз олдида сукут сақла. Ана, У муқаддас масканидан чиқиб келмоқда.

3–БОБ

Тўртинчи ваҳий: олий руҳоний ва шайтон

1 Кейин фаришта менга Эгамизнинг фариштаси олдида олий руҳоний Ёшуа турганини кўрсатди. Ёшуанинг ўнг томонида эса шайтон* уни айблаб турган эди.
2 Эгамиз шайтонга шундай деди:
— Эй шайтон! Гапларингнинг ҳаммаси ёлғон! Мен Қуддусни танлаган Эгангман. Мен сенга айтаман, гапларинг ёлғон! Ахир, бу киши алангадан қутқарилган бир ўтин парчасидай эмасми?!

3 Ёшуа фариштанинг олдида кир кийимларда турар эди. 4 Фаришта атрофида
турганларга*:
— Унинг кир кийимларини ечинглар, — деди. Ёшуага эса:
— Мана, қара, Мен сенинг гуноҳларингни олиб ташладим, — деди. — Энди
сенга тоза, байрамларда киядиган янги кийимларни кийдираман.
5 Кейин мен:
— Унинг бошига тоза салла кийдиринглар, — дедим. Унинг бошига тоза салла,
устига эса янги кийим кийдиришди. Эгамизнинг фариштаси унинг ёнида турар
эди.
6 Кейин Эгамизнинг фариштаси Ёшуани огоҳлантириб, шундай деди:
7 — Саррвари Олам шундай айтмоқда: “Агар сен Менинг йўлимдан юриб,
талабларимни бажарсанг, Менинг уйимда, Маъбадим ҳовлиларида бош бўласан.
Сенга шу ерда турганлар орасидан жой бераман*. 8 Эй олий руҳоний Ёшуа, қулоқ
сол! Олдингда турган руҳонийлар ҳам қулоқ солишсин. Сизлар келажакда содир
бўладиган воқеаларнинг рамзисизлар. Мен исми «Новда»* бўлган хизматкоримни
зоҳир қиламан. 9 Мен Ёшуанинг олдига бир тош қўйдим. Менинг етти кўзим ўша
тошга қадалган. Бу тошнинг устига Мен ёзув ёзаман, — демоқда Саррвари Олам. —
Мана шу юртнинг гуноҳини бир кунда олиб ташлайман. 10 Ўша куни сизлар
қўни–қўшниларингизни чақириб, ўз узумзорларингизда ва анжир
дарахтларингиз тагида ўтирасизлар.” Саррвари Оламнинг каломи шудир.

4–БОБ

Бешинчи ваҳий: чироқпоя ва иккита зайтун дарахти

1 Мен билан гаплашган фаришта қайтиб келиб, худди мени уйқудан
уйғотгандай қилиб турғизди. 2 У мендан:
— Нима кўряпсан? — деб сўради. Мен шундай жавоб бердим:
— Тилладан ясалган бир чироқпояни кўряпман, унинг устида мой учун бир
товоқ турибди. Чироқпояда эса еттита мойчироқ турибди. У мойчироқларнинг
ҳар бирида еттитадан жўмраги бор. 3 Чироқпоянинг олдида иккита зайтун
дарахти бор. Бу дарахтларнинг бири чироқпоянинг ўнг томонида, иккинчиси эса
чап томонида турибди.
4 Мен билан гаплашган фариштадан сўрадим:
— Булар нима, эй тўрам?*
5 У мендан:
— Нималигини билмайсанми? — деб сўради. Мен:
— Йўқ, тўрам, — деб жавоб бердим.

6 У менга шундай деди:
— Қуйидагилар Эгамизнинг Зарубабелга* берган хабаридир: “Қудрат билан
эмас, куч билан эмас, Менинг Руҳим ила муваффақиятга эришасан, — дейди
Саррвари Олам. 7 — Эй баланд тоғ*, сен нима бўлибсан?! Зарубабел олдида сен
текислик бўласан. Зарубабел Менинг уйимни қайта қуради, унинг энг охирги
тошини қўяди. Шундан кейин бутун халқ: «Худо марҳамат қилсин!» деб
ҳайқиради.”
8 Яна Эгамиз менга қуйидаги сўзини аён қилди: 9 “Зарубабел ўз қўллари билан
уйимнинг пойдеворини ётқизди. Қурилишни ҳам ўзи тугатади. Ана шунда Мен,
Саррвари Олам, сени юборганимни халқ англаб олади. 10 Қурилишнинг бошланиши
арзимасдай кўринса ҳам, кўнглингиз чўкмасин! Зеро, Менинг кўзларим, яъни
Эгангизнинг еттита кўзи Зарубабелнинг қўлидаги ёзув ўйилган тошга*

хурсандчилик билан қарайди.”

Шунда Фариштa менга деди:
— Сен кўрган еттита мойчироқ бутун ер юзига қараб турувчи Эгамизнинг еттита кўзидир.
11 Мен фариштадан сўрадим:
— Чироқпоянинг ўнг ва чап томонида турган зайтун дарахтларининг маъноси нима? 12 Олтин новлари орқали тилласимон мой оқаётган зайтун дарахтларининг икки шохи нимани билдиради?
13 У мендан:
— Билмайсанми? — деб сўради. Мен:
— Йўқ, тўрам, — деб жавоб бердим. 14 У шундай деди:
— Булар бошига мой суртиб танланган, бутун оламнинг Раббийси олдида хизмат қиладиган икки зотдир*.

5–БОБ

Олтинчи ваҳий: учаётган ўрама қоғоз

1 Мен яна тепага қараб учаётган ўрама бир қоғозни* кўрдим. 2 Фариштa мендан:
— Нима кўряпсан? — деб сўради. Мен:
— Учиб кетаётган ўрама бир қоғозни кўряпман, унинг узунлиги йигирма тирсак, эни эса ўн тирсак*, — деб жавоб бердим.
3 Шунда у менга деди:
— Бу қоғозга бутун юрт устига келадиган лаънат ёзилган. Қоғознинг бир томонидаги ёзувга кўра, ўғрилик қилганлар, орқа томонидаги ёзувга кўра, ёлғон қасам ичганлар юртдан йўқ қилинади. 4 Саравари Олам айтмоқда: “Бу лаънатни Мен юбордим, у ўғрининг уйига киради. Ким Менинг номим билан ёлғон қасам ичса, ўшанинг уйига киради. Лаънат ўша уйда бўлиб, уни тош ва синчларига қўшиб, бутунлай вайрон қилади.”

Еттинчи ваҳий: савaт ичидаги аёл

5 Мен билан гаплашган фариштa келиб, менга шундай деди:
— Қара–чи, келаётган нарса нима экан.
6 Мен:
— У нима? — деб сўрадим. Фариштa:
— Бу келаётган нарса саватдир, — деб жавоб берди. — Юртдаги жамики аҳолининг нияту муддаоларини билдирувчи тимсол ўша савaт ичидадир.
7 Қўрғошиндан ясалган қопқоқ очилди, саватнинг ичида эса бир аёл ўтирган экан. 8 Фариштa деди:
— Бу аёлнинг исми Фосиқлик.
Шундай деб, у аёлни қайтариб саватга тиқиб қўйди–да, қопқоғини ёпди.
9 Мен яна тепага қараб, иккита аёл учиб келаётганини кўрдим. Улар қанотларини шамолда ёйган ҳолда учиб келаётган эдилар, қанотлари турнанинг қанотларига ўхшар эди. Улар келиб ўша саватни олдилар–да, осмонга кўтариб олиб кетдилар. 10 Мен билан гаплашаётган фариштадан сўрадим:
— Улар саватни қаерга олиб кетишяпти?
11 У менга:
— Бобил* юртига олиб кетишяпти, — деб жавоб берди. — Ўша ерда унга саждагоҳ қуришади. Саждагоҳ тайёр бўлгандан кейин, саватни ўша ерда ўз

жойига қўйишади.

6–БОБ

Саккизинчи ваҳий: тўртта арава

1 Мен яна тепага қараб, иккита бронза тоғ орасидан чиқиб келаётган тўртта
аравани кўрдим. 2 Биринчи аравани қизғиш, иккинчи аравани эса қора отлар,
3 учинчи аравани оқ, тўртинчи аравани эса ола–була отлар тортиб келаётган эди.
Бу отларнинг ҳаммаси кучли эди. 4 Мен билан гаплашаётган фариштадан:

— Эй тўрам, булар нима? — деб сўрадим. 5 Фариштa шундай жавоб берди:

— Булар бутун олам Раббийсининг ҳузуридан чиқиб келаётган тўртта
самовий руҳдир. 6 Қора отли арава шимолга боради. Оқ отлиси эса унинг
орқасидан кетади*. Ола–була отли арава жанубга боради.

7 Ана шу кучли отлар чиқиб келиб, ерни айланишга шошилдилар. Фаришта
уларга:

— Боринглар, ерни кўриб чиқинглар, — деди. Шунда улар ерни айланиб
келишди. 8 Кейин фаришта мени чақириб, шундай деди:

— Мана, қара! Отлар шимолдаги юртга* боришди. У ерда Эгамизнинг
иродасини адо этишди, Эгамиз жаҳлидан тушди*.

Ёшуага тож кийдириш ҳақида амр

9 Эгамиз менга қуйидаги сўзларни аён қилди:

10 — Бобилдаги сургундан қайтиб келган Халдай, Тўвиё ва Ёдаёдан тилла ва
кумуш ол. Ўша куниёқ Зафаниё ўғли Йўшиёнинг уйига бор. 11 Берилган кумуш ва
олтиндан тож ясагин. Уни Ёҳузадах ўғли — олий руҳоний Ёшуанинг бошига
кийгизгин–да, 12 унга шундай дегин: “Сарвари Олам шундай демоқда: Новда*
деган одам ўз турган жойидан шохлайди–да, Менинг Маъбадимни қуради. 13 Ҳа,
Менинг Маъбадимни қурадиган ўшадир. У шоҳона улуғворликка эга бўлиб,
ҳукмронлик қилади. Тахтининг олдида руҳоний туради*. Иккаласи орасида
тинчлик, осойишталик бўлади. 14 Бу тож Халдай*, Тўвиё, Ёдаё ва Зафаниё ўғли
Йўшиёнинг* қарамоғида бўлади. У Менинг Маъбадимда ёдгорлик бўлиб қолади.
15 Узоқ жойлардан одамлар келиб, Менинг Маъбадимни қуришга ёрдам
беришади.”

Эй сургундан қайтиб келганлар! Шунда Сарвари Олам мени юборганини
сизлар англаб етасизлар. Агар сизлар Эгангиз Худонинг сўзларига яхшилаб қулоқ
солсангизлар, мана шуларнинг ҳаммаси содир бўлади.

7–БОБ

Юзаки тутилган рўза ҳукм қилинади

1 Шоҳ Доро ҳукмронлигининг тўртинчи йили* тўққизинчи ойи — Хислав
ойининг* тўртинчи кунида Эгамиз Ўз сўзини Закариёга аён қилди. 2 Бундан олдин
Байтил аҳолиси Эгамиздан илтифот сўраш учун Саризар, Рахеммалек ва уларнинг
одамларини Маъбадга юбориб, шундай деган эди:

3 — Бориб, Сарвари Оламнинг уйида бўлган руҳоний ва пайғамбарлардан
сўранглар: “Биз анча йиллардан бери Эгамизнинг уйи вайрон қилинган ойда*
қайғуриб, рўза тутиб келамиз. Шундай қилишда давом этаверайликми?”

4 Сарвари Олам Закариёга аён қилган сўзида шундай деди:

5 — Бу юртдаги барча одамларга ва руҳонийларга айт: “Ҳа, сизлар мана шу
ўтган етмиш йил* давомида бешинчи ва еттинчи ойларда* рўза тутиб,

қайғурдингизлар. Аммо буни Мен учун эмас, ўзингиз учун қилган эдингизлар!
6 Қорнингизни тўйдириш учун еб–ичганингиздай, ўз манфаатингиз учун рўза
тутиб қайғургансизлар. 7 Мен, Эгангиз, ўтган пайғамбарлар орқали айнан шу
ҳақда сизларни огоҳлантирганман–ку! Ўша пайтларда Қуддус ва унинг
атрофидаги қишлоқлар одамга тўла эди. У ерда фаровонлик ҳукм сурар эди. Нагав
чўли ва Яҳудо қир этакларида ҳам одамлар яшардилар.”

Сургуннинг сабаби итоатсизликдир

8 Эгамиз Закариёга қуйидаги сўзларни аён қилди:
9 — Мен, Сарвари Олам, шундай деган эдим: “Адолатли ҳукм қилинглар.
Бир–бирингизга меҳрибон бўлинглар, раҳм–шафқат қилинглар. 10 Беваларга,
етимларга, мусофирларга, камбағалларга зулм қилманглар. Бир–бирингизга
қарши ёвуз режалар тузманглар.” 11 Аммо халқим қулоқ солишдан бош тортди.
Ўжарлик қилиб, эшитмаслик учун қулоқларини беркитди. 12 Мен, Сарвари Олам,
Ўз Руҳим билан пайғамбарлар орқали сўзларимни аён қилганман. Аммо халқим
юрагини тош қилиб, қонун ва ўгитларга қулоқ солмади. Шунинг учун Мен жуда
қаттиқ ғазабландим.
13 “Мен чақирганимда улар эшитмагандилар, улар чақирганда Мен ҳам
эшитмадим, — дейди Сарвари Олам. 14 — Мен уларни ўзлари танимаган, билмаган
халқлар орасига сочиб ташладим*. Шундай қилиб, уларнинг юрти вайрон бўлди.
На у ерга биров боради, на у ердан биров келади. Ўша ажойиб юрт вайрон бўлди.”

8–БОБ

Эгамиз Қуддусни қайта қуришга ваъда беради

1 Сарвари Олам менга Ўз сўзини аён қилди. 2 Сарвари Олам шундай айтмоқда:
“Мен Қуддусга* қаттиқ ачиниб кетдим. Унинг душманларига бўлган ғазабим
алангадай ёнмоқда.” 3 Эгамизнинг каломи шудир: “Мен Қуддусга қайтаман, Сион
Менинг масканим бўлади. Шунда Қуддус садоқатли шаҳар деб аталади. Менинг
тоғим* — Сарвари Оламнинг тоғи муқаддас тоғ деб аталади.” 4 Сарвари Олам
шундай демоқда: “Чолу кампирлар яна Қуддус кўчаларида ўтирадилар. Ёши улуғ
бўлгани учун уларнинг қўлларида ҳассалари бўлади. 5 Шаҳарнинг кўчалари
ўйнаётган болалар билан тўлади.”
6 Сарвари Оламнинг каломи шудир: “Балки буларнинг ҳаммаси халқимдан
қолганларига имконсиздай туюлар. Аммо бу ишлар Мен учун имконсиз эмас”, —
демоқда Сарвари Олам.
7 Сарвари Олам шундай айтмоқда: “Мен шарқ ва ғарбда сарсон бўлган Ўз
халқимни қутқараман. 8 Уларни яна Қуддусда яшашлари учун олиб келаман. Улар
Менинг халқим бўлади, Мен эса уларнинг Худоси бўламан. Уларни садоқат ва
одиллик билан бошқараман.”
9 Сарвари Олам шундай демоқда: “Довюрак бўлинглар, энди сизлар
пайғамбарларнинг сўзларини эшитяпсизлар. Маъбадим, яъни Уйимнинг қайта
қурилиши учун пойдевор қўйилаётганда, ўша пайғамбарлар шу ерда эдилар. 10 Ҳа,
ўша кунлардан олдин одам ва ҳайвонларнинг тер тўкиб қилган меҳнатлари зое
кетарди, улар яхши ҳосил ололмас эдилар*. Душманлар халққа тинчлик бермасди.
Мен ҳаммани бир–бирига қарши қилиб қўйган эдим. 11 Аммо энди, эй халқимнинг
қолганлари, Мен сизлар билан олдингидай муносабатда бўлмайман, — демоқда
Сарвари Олам. 12 — Сизлар тинчликда уруғларингизни экасизлар. Токларингиз
серҳосил бўлади. Ер ҳосил беради, осмондан шудринг тушади. Сизларни Мен мана
шулар билан баракалайман. 13 Эй Яҳудо ва Исроил* халқи, сизлар бошқа халқлар

орасида лаънатланган халқнинг рамзи эдингизлар. Энди бундай бўлмайди! Мен сизларни қутқараман. Сизлар барака рамзи ва манбаи бўласизлар. Қўрқманглар! Дадил бўлинглар!”

14 Сарвари Олам шундай айтмоқда: “Ота–боболарингиз Менинг жаҳлимни
чиқарганда бошларига офат келтираман, дегандим. Ўз фикримдан қайтмадим, —
демоқда Сарвари Олам. 15 — Қўрқманглар, эй Қуддус ва Яҳудо халқи! Энди Мен
сизларга яхшилик келтираман, деб қарор қилдим. 16 Қуйидаги айтганларимни
қилишингиз керак: бир–бирингизга ҳақиқатни айтинг. Ҳукм қилганингизда одил
қарор чиқариб, тинчлик ўрнатинг. 17 Бир–бирингизга қарши ёвуз режалар
тузманг, ёлғон қасам ичманг. Мен булардан нафратланаман.” Сарвари Оламнинг
каломи шудир.

18 Сарвари Олам менга Ўз сўзини аён қилди. 19 Сарвари Олам шундай айтмоқда:
“Эй Яҳудо халқи, тўртинчи, бешинчи, еттинчи ва ўнинчи ойлар* энди азаю рўза
вақти эмас, балки сизлар учун шоду хуррамлик ва қувноқ байрамлар даври
бўлади. Сизлар ҳақиқат ва тинчликни севинглар.”

20 Сарвари Олам шундай демоқда: “Ҳали бошқа шаҳарларда яшайдиган
одамлар ҳам Қуддусга келади. 21 Бир шаҳарнинг аҳолиси иккинчи шаҳарда
яшовчиларнинг олдига бориб: «Биз кетяпмиз, юринглар, Эгамиздан илтифот
сўрайлик, Сарвари Оламга сажда қилайлик», деб айтади.” 22 Кўп эллар ва кучли
халқлар Сарвари Оламдан илтифот сўрагани ва Унга сажда қилгани Қуддусга
келадилар. 23 Сарвари Оламнинг каломи шудир: “Ўша кунларда турли тилларда
гапирувчи, ҳар хил элларга мансуб бўлган ўн киши бир яҳудийни ушлаб олади.
Унинг кийимидан маҳкам тутадилар–да, унга: «Биз сен билан борайлик. Ахир,
Худо сизлар билан эканини эшитдик», деб айтадилар.”

9–БОБ

Исроилнинг душманлари устидан чиқарилган ҳукм

1 Башорат. Эгамизнинг сўзи Хадрах юртига* қаршидир.
Дамашқ шаҳрига қаратилгандир.
Эгамиз барча Исроил қабилаларини кузатиб тургандай,
Бутун инсониятни ҳам кузатади*.
2 Хадрахга чегарадош бўлган Хомат* ҳам,
Доноларга тўла бўлган Тир ва Сидон* ҳам Эгамизнинг кўзи остидадир*.
3 Тир шаҳри ўзига қалъа қуриб олган,
Шунчалик кўп кумуш ва олтин йиққанки,
Улар кўчадаги чанг ва лойдайдир.
4 Лекин энди Раббий уларнинг мулкини тортиб олади,
Бойликларини денгизга улоқтиради.
Шаҳарнинг ўзи эса оловга ем бўлади.

5 Ашқалон шаҳри* буни кўриб, қўрқувга тушади,
Ғазо ҳам даҳшатга тушиб қалтирайди,
Умиди пучга чиққан
Эхрон ҳам шу аҳволга тушади.
Ғазонинг шоҳи ҳалок бўлади,
Ашқалонда эса ҳеч бир зот қолмайди.
6 Эгамиз шундай дейди:
“Ашдодда насли бузилган халқлар яшайди.

Ҳа, Мен Филистларнинг такаббурлигига чек қўяман.
7 Мен Филистларнинг оғзидаги қонли гўштни,
Тишларидаги ҳаром овқатни* олиб ташлайман.
Филистларнинг тирик қолганлари Менга тегишли бўлади,
Улар Яҳудонинг авлодидай бўлиб қолади.
Эхрон ҳам Ёбус халқидай*
Ўз халқимнинг бир қисми бўлади.
8 Босқинчилардан асрай деб
Мен Ўзим уйимни қўриқлайман.
Халқимнинг юртини ҳеч ким босиб ололмас,
Ҳа, Мен ҳаммасини кўриб турибман.

Бўлажак шоҳ

9 Хурсанд бўлиб, қувонинг,
Эй Қуддус халқи!
Шодлик ила ҳайқиринг,
Эй Сион аҳолиси!
Мана, шоҳингиз келяпти.
У зафар қозонган ғолибдир.
Шунга қарамай,
Камтариндир шоҳингиз,
У эшакнинг устида,
Ҳа, эшакнинг боласини —
Хўтикни миниб келяпти.
10 Мен Эфрайимнинг* жанг араваларини йўқотаман,
Қуддуснинг* жанг отларини тортиб оламан.
Уруш камонлари ҳам йўқ қилинади,
Шоҳингиз халқларга тинчлик келтиради.
Мен бир денгиздан иккинчисига қадар,
Фурот дарёсидан тортиб
Ер юзининг тўрт томонига ҳукмронлик қиламан.

Худо Ўз халқини қайта тиклайди

11 Мен сизлар билан қилган,
Қурбонлик қони билан тасдиқланган аҳдим* туфайли,
Асирларингизни сувсиз чуқурликдан озод қиламан.
12 Эй умидвор асирлар,
Ўз қалъангизга қайтинг.
Бугун Мен айтяпман,
Йўқотганларингизни икки баробар қилиб тиклайман.
13 Мен Яҳудони Ўз камонимдек қайирдим,
Эфрайимни* эса камоним ўқи қилдим.
Эй Сион*, Мен сенинг ўғилларингни
Юнон* ўғилларига қарши қўзғатаман.
Менинг қўлимда жангчининг қиличидай ўйнайсан.”

Эгамиз Ўз халқини ҳимоя қилади

14 Шундан кейин Эгамиз Ўз халқи узра зоҳир бўлади,
Унинг ўқи яшиндай отилади.
Эгамиз Раббий бурғуни чалиб,
Жанубдан келган қуюнлар орасида ҳужум қилади.

15 Саррвари Олам Ўз халқини ҳимоя қилади,
Улар душманларини қириб,
Ёв палахмонларини оёқ ости қилиб ташлайдилар.
Қурбонлик сўйгандай ёв қонини тўкадилар,
Қурбонгоҳ шохлари қонга белангандай,
Улар душманларининг қонига беланадилар.
Шаробу май билан ғалабани нишонлайдилар,
Хурсандлигидан маст одамдай ҳайқирадилар.

16 Ўша куни уларнинг Эгаси Худо
Ўз халқини қутқаради.
Ахир, улар Эгамизнинг сурувидир.
Эгамизнинг юртида улар
Тож гавҳарларидай порлайдилар.
17 Унинг халқи қандай гўзал ва ажойиб!
Янги шаробу донлар
Йигит–қизларни бақувват қилар.

10–БОБ

Эгамиз нажот беришга ваъда қилади

1 Баҳорда ёмғир берадиган Эгамиздан ёмғир сўранглар.
Бўрон булутларини яратган,
Одамзодга ёмғир берадиган,
Ҳамма учун далаларни
Ўт–ўланга тўлдирадиган Эгамиздир.
2 Хонаки санамлар* беҳуда гапларни гапирадилар,
Фолбинлар ёлғон фоллар очадилар.
Туш таъбир қилувчилар ёлғон таъбир қиладилар,
Беҳуда тасалли берадилар.
Шунинг учун бу халқ қўйдай сарсон бўлиб юрибди,
Чўпони йўқлиги учун азоб чекяпти.

3 Эгамиз шундай демоқда:
“Ғазабим халқимнинг йўлбошчиларига қарши ёнмоқда,
Мен халқимнинг бу чўпонларини жазолайман.
Мен, Саррвари Олам, Ўз сурувим бўлган
Яҳудо* халқи учун қайғураман.
Мен ўша сурувни улуғвор жанг отларидай қиламан.
4 Яҳудо орасидан тамал тоши*,
Чодир қозиғи, жанг камони чиқади.
Ҳа, ҳар бир етакчи уларнинг орасидан чиқади.
5 Биргаликда улар жанг пайти кўчада лой кечган
Жангчилардай бўладилар,
Мен, Эгангиз, улар билан биргаман.
Улар урушга чиқиб,
Душман чавандозларини шарманда қиладилар.

6 Мен Яҳудо халқини кучга тўлдираман,
Юсуфнинг авлодини* қутқараман.

Уларга раҳм–шафқат кўрсатаман,
Ахир, Мен уларнинг Эгаси Худоман.
Уларнинг илтижоларига жавоб бериб,
Ўз юртига қайтариб олиб келаман.
Ўшанда улар ҳеч қачон рад қилинмагандай бўлади.
7 Эфрайим халқи* қудратли жангчилардай бўлади,
Уларнинг юраклари шароб ичгандаги сингари қувноқ бўлади.
Буни кўрган фарзандлари шодланади,
Улар Менинг қилган ишларимдан хурсанд бўлади.
8 Мен чўпон каби ҳуштак чалиб, Ўз халқимни йиғаман,
Ахир, Мен уларни қутқарганман.
Олдин улар қанча бўлган бўлсалар,
Уларнинг сони яна шунча бўлади.
9 Мен уларни халқларнинг орасига сочиб юборган бўлсам ҳам*,
Энг узоқдаги юртларда ҳам улар Мени эслайдилар.
Фарзандларию ўзлари омон қолиб, қайтиб келишади.
10 Мен халқимни Миср юртидан қайтараман,
Оссурия еридан* йиғиб келаман.
Мен уларни Гилад ўлкаси ва Лубнон юртигача бўлган ерларга
жойлаштираман.
Ҳатто мана шу жойлар ҳам уларга торлик қилади.
11 Менинг халқим кулфат денгизидан ўтса,
Ўша денгизнинг тўлқинларини уриб тушираман.
Нил дарёсининг туби қуриб қолади.
Оссурия халқининг такаббурлигига барҳам бераман.
Миср эса ўз салтанат ҳассасини* йўқотади.
12 Ўз қудратим билан халқимни кучли қиламан.
Улар Менинг номимга лойиқ ҳаёт кечирадилар.”
Эгамизнинг каломи шудир.

11–БОБ

Босқинчиларнинг қулаши

1 Эй Лубнон, оч дарвозаларингни!
Садр дарахтларингни* олов ёндириб ташласин.
2 Эй сарв дарахти, дод солиб йиғлагин,
Ахир, садр дарахтлари қулади.
Ўша улуғвор дарахтлар вайрон бўлди.
Эй Башандаги* эманлар, дод солиб йиғланг,
Қалин–қалин ўрмонларнинг дарахтлари
Кесиб ташланди, ахир.
3 Ана, эшитинг! Чўпонларнинг йиғисин,
Кўм–кўк яйловлар нобуд бўлди, ахир.
Қулоқ солинг шерларнинг ўкиришига,
Иордан бутазорлари нобуд бўлди, ахир.

Икки хил чўпон

4 Эгам Худо менга шундай деди:
— Бўғизланишга олиб кетилаётган қўй сурувига чўпонлик қилгин. 5 Қўйларни сотиб олганлар уларни ўлдириб, жазосиз юрибдилар. Қўйларни сотганлар эса:

“Худога шукур! Биз боймиз”, дейдилар. Қўйларга ҳатто ўз чўпонларининг ҳам раҳми келмайди. 6 Мен, Эгангиз, шундай айтмоқдаман: “Энди бу юртдаги одамларга раҳм қилмайман. Мен уларни бир–бирининг қўлига ва ҳукмдорларининг қўлига топшираман. Ҳукмдорлари юртни вайрон қилади. Мен эса ҳеч кимни бу ҳукмдорларнинг қўлидан қутқармайман.”

7 Шундай қилиб, қўй савдогарлари мени бўғизланадиган қўй сурувига чўпон* қилиб ёлладилар*. Мен иккита таёқ олдим. Улардан бирини “Илтифот”, иккинчисини эса “Аҳиллик” деб атаб, қўйларни боқдим. 8 Бир ой ичида уларнинг учта чўпонини ҳайдаб юбордим. Қўй савдогарларига бўлган сабр–тоқатим ҳам тугади, улар ҳам мени ёмон кўриб қолдилар. 9 Шундан кейин мен қўй савдогарларига:

— Энди сизларнинг қўйларингизни боқмайман, — дедим. — Ўладигани ўлсин, ҳалок бўладигани ҳалок бўлсин, қолганлари эса бир–бирининг гўштини есин.

10 Мен “Илтифот” номли таёғимни олдим–да, уни синдириб ташладим. Шу орқали Эгамизнинг Ўз халқи* билан қилган аҳдини бекор қилдим. 11 Шундай қилиб, ўша куни бу аҳд бекор бўлди. Мени кузатиб турган қўй савдогарлари* бу иш Эгамизнинг сўзи эканлигини тушундилар. 12 Кейин мен уларга шундай дедим:

— Агар сизлар иш ҳақимни беришни лозим кўрсангиз, беринглар, бўлмаса, бермай қўяверинглар.

Шунда улар менга бор–йўғи ўттиз кумуш танга* бердилар. 13 Шундан кейин Эгамиз менга:

— Бу кумушни кулолга бергин, — деди.

Мени баҳолаб берилган бу арзимас кумуш тангаларни олиб, Эгамиз уйидаги кулолга* бердим. 14 Кейин “Аҳиллик” деб аталган иккинчи таёғимни синдирдим. Шундай қилиб, Яҳудо ва Исроил* орасидаги биродарликни бекор қилдим.

15 Шундан кейин Эгамиз менга айтди: “Бор, яна бир марта чўпонлик қилгин. Аммо бу сафар фойдасиз чўпондай бўлгин. 16 Ҳа, Мен бу юртга шундай бир чўпон бераманки, у ҳалок бўлаётганларга қарамайди. Йўқолганларни изламайди, ярадорларга шифо бермайди, соғ бўлганларни озиқлантирмайди. Аксинча, семиз қўйларни сўйиб ейди, туёқларини ҳам кесиб ташлайди.

17 Эй сурувни тарк этадиган қадрсиз чўпоним,
Ҳолингга вой!
Қилич сенинг қўлингни чопиб,
Ўнг кўзингни ўйиб ташласин!
Сенинг қўлинг бутунлай қуриб қолсин,
Ўнг кўзинг кўр бўлсин!”

12–БОБ

Қуддуснинг келажакдаги ғалабаси

1 Башорат. Эгамизнинг Исроил* ҳақида айтган гаплари. Замин пойдеворини қўйган, фалакларни ёйган, инсонга жон ато қилган Эгамиз шундай демоқда:
2 “Қараб туринглар, Мен Қуддусни шароб қадаҳидай қилиб қўяман. У ўзининг атрофидаги халқларни гандираклатадиган бўлади*. Қуддусни қамалга олишганда, Яҳудо юртининг қолган бошқа жойларига ҳам ҳужум қилишади. 3 Ўша куни Мен Қуддусни бошқа халқлар учун оғир тошдай қилиб қўяман. Уни кўтарганларнинг ҳаммаси ўзларига зарар келтирадилар. Бутун ер юзидаги халқлар унга қарши чиқиш учун бирлашадилар. 4 Ўша куни, Мен ҳар бир отни

даҳшатга соламан, уларнинг чавандозларини эса ақлдан оздираман, — демоқда Эгамиз. — Яҳудо халқига эса Ўзим ғамхўрлик қиламан. Душманларининг отларини кўр қилиб қўяман. 5 Шунда Яҳудо уруғлари ўзларига:

— Қуддус аҳолисининг қудрат манбаи бизнинг Худойимиз, Саравари Оламдир, — дейдилар.

6 Ўша куни Мен Яҳудо уруғларини ўтин орасидаги қизиб турган чўғдай, буғдой боғламлари орасидаги ёниб турган машъаладай қиламан. Улар ўнгу сўлдаги, атрофидаги халқларни ямлаб ютадилар. Қуддусдаги одамлар эса осойишта ҳаёт кечирадилар.

7 Мен, Эгангиз, аввал Яҳудо халқига ғалаба бераман. Довуд авлодининг ва Қуддус аҳолисининг шуҳрати Яҳудонинг шуҳратидан ошиб кетмаслиги учун шундай қиламан. 8 Ўша куни Мен Қуддус аҳолисини ҳимоя қиламан. Уларнинг орасидаги энг ожизи ҳам Довуддай кучли бўлади. Довуд авлоди эса Менинг фариштамдай, худди Ўзимдай Қуддус аҳлини бошлаб боради. 9 Менинг режам ўша куни Қуддусга қарши чиққан барча халқларни ҳалок қилишдир.

10 Мен Довуд авлодига, Қуддус аҳолисига меҳр–шафқат ва ибодат руҳини ёғдираман. Улар Менга — ўзлари найза санчганга қарашади. Ёлғиз фарзандга аза тутгандай, аза тутишади. Тўнғич фарзанд учун мотам тутгандай, мотам тутишади. 11 Ўша куни Қуддусдаги дод–фарёд, Магидў водийсидаги Ҳадад–Риммонда* тутилган азадай, кучли бўлади. 12 Бутун юрт аза тутади. Ҳар бир оила алоҳида аза тутади: Довуд авлодининг оилалари алоҳида, уларнинг хотинлари алоҳида, Натан* авлодининг оилалари алоҳида, уларнинг хотинлари алоҳида, 13 Леви авлодининг оилалари алоҳида, уларнинг хотинлари алоҳида, Шимах* авлодининг оиласи ва уларнинг хотинлари алоҳида аза тутадилар. 14 Қолган оилалар ҳам ўзлари алоҳида аза тутадилар. Уларнинг хотинлари ҳам алоҳида аза тутадилар.”

13–БОБ

1-2 Саравари Олам шундай айтмоқда: “Ўша куни Довуд авлоди ва Қуддус аҳолиси учун бир булоқ очилади. Бу булоқ уларнинг барча гуноҳлари ва нопокликларини ювади.

Ўша куни Мен бу юртдан барча бутларни йўқ қиламан. Ҳатто уларнинг номлари ҳам унутилади. Мен бу юртдан яна сохта пайғамбарларни ва уларни илҳомлантирадиган ёвуз руҳни олиб ташлайман. 3 Агар яна сохта пайғамбар чиқса, ўз ота–онаси унга шундай дейди:

— Сен энди яшамайсан, чунки сен Эгамиз номидан ёлғон гапларни гапиряпсан.

Ўша пайғамбар яна башорат қилганда ўз туққан ота–онаси уни найза санчиб ўлдиради. 4 Ўша куни сохта пайғамбарларнинг ҳар бири ўзларининг башоратларидан уятга қоладилар. Улар энди халқни алдамайдилар, пайғамбарларнинг жундан тўқилган кийимларини киймайдилар. 5 Энди улар:

— Мен пайғамбар эмасман, мен ерга ишлов бераман. Ёшлигимдан бир кишининг хизматидаман, — дейдилар. 6 Агар бирортаси улардан:

— Баданингиздаги яра излари* қаердан пайдо бўлган? — деб сўраса, уларнинг жавоби қуйидагича бўлади:

— Мен бу яраларни дўстларимнинг уйида орттирганман.”

Худонинг чўпонини ўлдириш ҳақидаги амр

7 Саравари Олам шундай демоқда:

“Қани, қўзғалгин, эй қилич!
Менга яқин бўлганга,
Ўзимга хизмат қилган чўпонга қарши чиқ.
Чўпонга ҳамла қилгин,
Шунда қўйлар ҳар ёққа тарқалиб кетади,
Мен қўзичоқларга қарши қўлимни кўтараман.
8 Бутун юрт халқининг учдан икки қисми ҳалок бўлади,
— деб айтмоқда Эгамиз. —
Учдан бир қисми эса тирик қолади.
9 Мен мана шу қолган учдан бир қисмини
Оловдан ўтказиб поклагандай поклайман.
Уларни кумушни тоблагандай тоблайман,
Олтинни синагандай синайман.
Улар Менга илтижо қиладилар,
Мен эса уларга жавоб бераман.
«Улар Менинг халқимдир», дейман Мен.
Улар эса: «Эгамиз бизнинг Худойимиздир», деб айтишади.”

14–БОБ

Келажакдаги уруш ва ғалаба

1 Эгамизнинг кунига* оз қолди. Эй Қуддус аҳли, ўша куни мулкингиз кўз олдингизда талон–тарож қилинади. 2 Эгамиз барча халқларни Қуддусга қарши жанг қилишга йиғади. Душманлар шаҳарни қўлга киритишади. Уйларни талаб кетишади, аёлларни зўрлашади. Шаҳар аҳолисининг ярми сургунга кетади. Қолганлари эса шаҳардан ҳайдалмайди.

3 Шундан кейин Эгамиз урушдаги жангчидай ўша халқларга ҳужум қилади. 4 Ўша куни У Қуддус шаҳрининг шарқида бўлган Зайтун тоғининг устида туради. Шу куни Зайтун тоғи иккига ажралади. Тоғ орасидан шарқдан ғарбга қараб кетган кенг бир водий ўтади. Шунда тоғнинг бир тарафи шимолга, иккинчи тарафи эса жанубга сурилади. 5 Сизлар ўша водий орқали қочасизлар. Тоғлар орасидаги водий Озиёлгача* чўзилади. Сизлар Яҳудо шоҳи Уззиё даврида бўлган зилзила* пайтида қочгандай қочасизлар. Шунда Эгамиз Худо Ўз фаришталари билан бирга келади.

6 Ўша куни барча ёруғлик манбалари сўниб, нур таратмайдиган бўлиб қолади. 7 Аммо кун давом этаверади. Шунда кун ҳам, тун ҳам бўлмайди. Кеч кирганда ҳам ёруғ бўлиб тураверади. Бу қачон содир бўлишини фақатгина Эгамиз билади.

8 Ўша куни Қуддусдан ҳаётбахш сувлар оқиб чиқади, унинг ярми Ўлик денгизга, қолган ярми эса Ўрта ер денгизига қуйилади. Сув ёзда ҳам, қишда ҳам оқаверади.

9 Эгамиз эса бутун ер юзининг Шоҳи бўлади. Ўша куни барча халқлар Эгамизни танҳо Эга деб тан олади ва фақат Унга сажда қилишади.

10 Шимолдаги Гебодан Қуддуснинг жанубидаги Риммонгача бўлган жойлар, бутун юрт* текисликка айланади. Қуддус эса ўзининг юксак жойида тураверади. Шаҳар Бенямин дарвозасидан Эски дарвозагача, Бурчак дарвозасигача, Ханонил минорасидан шоҳга қарашли бўлган узум сиқиш чуқуригача* чўзилган бўлади. 11 Қуддусда яна одамлар яшайдиган бўлади, бундан кейин уни ҳеч қачон вайрон қилишмайди. Қуддусда тинчлик қарор топади.

12 Қуддусга қарши уруш очган халқларнинг бошига Эгамиз қуйидаги ўлатни

юборади: тирик бўлсалар ҳам танаси чириб кетади, кўзлари косасидаёқ чириб кетади, тиллари эса оғизларидаёқ чириб кетади. 13 Ўша куни Эгамиз уларни бениҳоя даҳшатга туширади. Ҳамма ўз ёнидаги одамни ушлаб, бир–бирига қарши қўл кўтаради. 14 Ҳатто Яҳудо халқи ҳам Қуддусдаги жангга қўшилади. Унинг атрофидаги барча халқларнинг бойликлари — жуда кўп тилла, кумуш ва кийимлар ўлжа қилиб олинади. 15 Юқорида айтилган ўлат душманларнинг қароргоҳидаги ҳамма ҳайвонларга — отларга, хачирларга, туяларга, эшакларга ҳам қирғин келтиради.

16 Қуддусга қарши уруш очганлардан тирик қолганлари эса ҳар йили Шоҳ — Сарвари Оламга сажда қилишга ва Чайла байрамини нишонлашга келишади. 17 Агар ер юзидаги халқларнинг бирортаси Шоҳ — Сарвари Оламга сажда қилиш учун Қуддусга келмаса, уларнинг юртида ёмғир ёғмайди. 18 Агар Миср халқи ҳам байрамга келишни рад этса, уларнинг юртида ҳам ёмғир ёғмайди. Эгамиз* Чайла байрамига келишни рад этган бошқа халқларнинг бошига солган ўша кулфатни уларнинг бошига ҳам солади. 19 Чайла байрамини нишонлашга чиқмаган Миср халқи ва бошқа ҳамма халқларнинг жазоси шу бўлади.

20 Ўша куни ҳатто отларнинг юганларидаги қўнғироқларида ҳам “Эгамизга бағишланган”* деган ёзув бўлади. Қурбонгоҳ олдида ишлатиладиган тоғорачалар муқаддас бўлгани каби, Эгамизнинг уйидаги оддий қозонлар ҳам худди шундай муқаддас бўлади. 21 Қуддус ва Яҳудодаги барча қозонлар Сарвари Оламга бағишланган бўлади. Шунда ким қурбонлик келтирмоқчи бўлса, қурбонлик гўштини шу қозонларда қайнатса бўлаверади. Ўша куни Менинг уйимда савдогарлар* бошқа бўлмайди.

ИЗОҲЛАР

Закариё пайғамбар Хаггей пайғамбарнинг замондоши… — Эзра 5:1-2 га қаранг.

Яҳудо юрти — ўша даврда Яҳудо юрти Форс шоҳлигининг ҳукмронлиги остида бўлган. Яҳудо юрти ҳудудига фақат Қуддус ва унинг атрофидаги ерлар кирарди. Яҳудо шоҳлари ҳукмронлик қилган даврда эса бу юртнинг ҳудуди анча катта эди.

1:1 *Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили* — милоддан олдинги 520 йил. Доро милоддан олдинги 522-486 йилларда Форс шоҳлигида ҳукмронлик қилган.

1:1 *саккизинчи ой* — иброний календарининг Бул ойи назарда тутилган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан октябрнинг ўртасидан бошланади.

1:7 *Шоҳ Доро ҳукмронлигининг иккинчи йили* — шу бобнинг 1–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

1:7 *Шебат ойи* — иброний календарининг ўн биринчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан январнинг ўртасидан бошланади.

1:8 *Эгамизнинг фариштаси* — ибронийча матнда *одам*. Шу бобнинг 11-12–оятларида айтиб ўтилган Эгамизнинг фариштасига ишора.

1:8 *мирта буталари* — доим яшил, хушбўй ўсимлик.

1:10 *фаришта* — ибронийча матнда *одам*. Шу бобнинг 11-12–оятларида айтиб ўтилган Эгамизнинг фариштасига ишора.

1:12 *етмиш йил* — Қуддус аҳолиси ва Яҳудо халқи Бобилда сургунда яшаган давр.

1:14 *Сион* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

1:18 *буқанинг тўртта шохи* — Эски Аҳдда буқанинг шохлари кўпинча кўчма маънода ишлатилиб, кучли ҳукмдорларга ёки ҳарбий қудратга ишора қилган. Тўрт сони рамзий маънода ишлатилган бўлиб, дунёнинг тўрт томонини билдиради. Бу ўринда душманлар Яҳудо, Исроил халқларини ва Қуддус аҳолисини ҳар томондан қуршаб олиб, қийин аҳволга солиб қўйгани англашилади.

1:19 *Яҳудо, Исроил* — жанубий ва шимолий шоҳликлар назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО ва ИСРОИЛ сўзларига қаранг.

1:19 *Яҳудо, Исроил халқларини ва Қуддус аҳолисини сочиб ташлаган ҳукмдорлар* — милоддан олдинги 722 йилда Оссурия шоҳи Шалманасар Исроилга, яъни шимолий шоҳликка ҳужум қилиб, пойтахти Самарияни забт этди. Сўнг Исроил халқининг аксарият қисмини Оссурияга сургун қилди (4 Шоҳлар 17:1-6 га қаранг). Милоддан олдинги 586 йилда Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг). Яҳудодан қочиб кетганлар эса Мўаб, Оммон, Эдом ва Миср юртларида бошпана топдилар (Еремиё 40:11-12, 43:7 га қаранг).

2:1 *таноб* — ерни ўлчаш учун ишлатиладиган арқон.

2:4-5 *ўша йигит* — арқонни ушлаб турган йигит назарда тутилган. Аммо Закариёга ишора бўлиши мумкин.

2:6 *Мен сизларни ернинг тўрт тарафига сочиб ташлаган бўлсам ҳам…* — 1:19 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

2:7 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион* (шу бобнинг 10–оятида ҳам бор). 1:14 изоҳига қаранг.

2:8 *Сизларни…У Ўз шуҳратини намоён қилмоқчи* — ёки *Сарвари Олам — улуғвор Худо сизларни талон–тарож қилган халқлар олдига мени юборди*.

3:1 *шайтон* — ибронийчадаги маъноси *айбловчи*.

3:4 *атрофида турганлар* — ўша ердаги фаришталарга ишора бўлса керак.

3:7 *Сенга шу ерда турганлар орасидан жой бераман* — яъни ўша ердаги фаришталарга ўхшаб, Ёшуа ҳам Худога хизмат қилиш ва Худонинг ҳузурига кириш шарафига муяссар бўлар эди.

3:8 *«Новда»* — Довуд авлодидан келиб чиқадиган шоҳга, яъни Масиҳга нисбатан ишлатилган унвон (Ишаё 11:1, Еремиё 23:5, 33:15 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

4:4 *Булар нима, эй тўрам?* — бу саволга фаришта шу бобнинг 10–ояти иккинчи қисмида жавоб беради.

4:6 *Зарубабел* — Яҳудо ҳокими. Хаггей 1:1 га ва ўша оятнинг учинчи ва тўртинчи изоҳларига қаранг.

4:7 *баланд тоғ* — бу ибора мажозий маънода қўлланган бўлиб, Зарубабел Маъбадни қайта қуришда дуч келган қийинчиликларга ва қаршиликларга ишора бўлса керак. Зарубабел бу қийинчиликларни енгиб ўтган эди, тоғларнинг текисликка айланиши ана шу ғалабанинг рамзидир.

4:10 *ёзув ўйилган тош* — ёки *шоқул*. Шоқул — бинокорликда девор, устун ва шу кабиларнинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига оғирлик боғланган ипдан иборат асбоб.

4:14 *Булар…икки зотдир* — олий руҳоний Ёшуа (3:1-6 га қаранг) ва Яҳудо ҳокими Зарубабел (шу бобнинг 6-10–оятларига қаранг) назарда тутилган. Зарубабел Довуд авлодидан эди.

5:1 *ўрама бир қоғоз* — папирус ёки ошланган теридан қилинган узун ўралган қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар одатда ўрама қоғоз шаклида бўлган.

5:2 *…узунлиги йигирма тирсак, эни эса ўн тирсак…* — узунлиги тахминан 9 метрга, эни тахминан 4,5 метрга тўғри келади.

5:11 *Бобил* — ибронийча матнда *Шинар*, Месопотамиядаги, яъни Дажла ва Фурот дарёлари орасида жойлашган ерлардаги бир ҳудуднинг қадимги номи. Бобил шоҳлиги дастлаб шу ерда барпо бўлиб, кейинчалик кўп ерларни эгаллаган буюк шоҳлик бўлган.

6:6 *…унинг орқасидан кетади* — ёки *…ғарбга боради*.

6:8 *шимолдаги юрт* — Бобил назарда тутилган.

6:8 *…Эгамизнинг иродасини адо этишди, Эгамиз жаҳлидан тушди* — ибронийча матнда *…Эгамизнинг Руҳига тинчлик беришди*. Бу ибора Худонинг халқига зулм ўтказган халқлар (1:15 га қаранг) жазо олганини билдириши мумкин. Милоддан олдинги 539 йилда Форс шоҳи Куруш Бобилни босиб олди ва кейинги йили ўша ерда сургунда яшаётган яҳудийларга Қуддусга қайтишлари учун ҳамда Маъбадни қайта қуришлари учун ижозат берди (2 Солномалар 36:20-23, Ишаё 44:28-45:4 га

қаранг).

6:12 *Новда* — Зарубабел назарда тутилган (4:6-10 га қаранг), айни пайтда келадиган Масиҳга ҳам ишора қилади (3:8 изоҳига қаранг).

6:13 *Тахтининг олдида руҳоний туради* — олий руҳоний Ёшуа назарда тутилган, айни пайтда руҳоний ва шоҳ бўлиб келадиган Масиҳга ҳам ишора қилади (Забур 109:1-4 га қаранг).

6:14 *Халдай* — ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Халем*. Унинг Халдай деган шакли шу бобнинг 10–оятидан олинган.

6:14 *Йўшиё* — ибронийча матнда *Хен*, маъноси *иноятли* ва Йўшиёнинг яна бир номи бўлиши мумкин. Унинг Йўшиё деган шакли шу бобнинг 10–оятидан олинган.

7:1 *Шоҳ Доро ҳукмронлигининг тўртинчи йили* — милоддан олдинги 518 йил. 1:1 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:1 *Хислав ойи* — иброний календарининг тўққизинчи ойи. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан ноябрнинг ўртасидан бошланади.

7:3 *Эгамизнинг уйи вайрон қилинган ой* — ибронийча матнда *бешинчи ой*. 8:19 изоҳига қаранг.

7:5 *етмиш йил* — 1:12 изоҳига қаранг.

7:5 *бешинчи ва еттинчи ойлар* — 8:19 изоҳига қаранг.

7:14 *Мен уларни…сочиб ташладим* — 1:19 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

8:2 *Қуддус* — ибронийча матнда *Сион*. 1:14 изоҳига қаранг.

8:3 *Менинг тоғим* — Қуддусдаги Сион тоғига ишора. 1:14 изоҳига қаранг.

8:10 *…улар яхши ҳосил ололмас эдилар* — Хаггей 1:6, 10-11, 2:16-17 га қаранг.

8:13 *Яҳудо ва Исроил* — 1:19 нинг биринчи изоҳига қаранг.

8:19 *тўртинчи, бешинчи, еттинчи ва ўнинчи ойлар* — иброний календарининг тўрт ойи. Бу ойларда Худонинг халқи қуйидаги воқеаларни хотирлаб, рўза тутарди: милоддан олдинги 589 йилнинг ўнинчи ойида шоҳ Навухадназарнинг лашкари Қуддусни қамал қилган. Милоддан олдинги 586 йилнинг тўртинчи ойида ўша лашкар Қуддус деворларини бузиб, шаҳарга кирган. Ўша йилнинг бешинчи ойида улар Маъбадни ва шаҳарни вайрон қилганлар, шаҳар аҳолисини Бобилга асир қилиб олиб кетганлар. Ўша йилнинг еттинчи ойида Яҳудо ҳокими Гадалиёга суиқасд қилинган, қолган халқ эса Мисрга қочиб кетган. 4 Шоҳлар 25:1-26 га қаранг.

9:1 *Хадрах юрти* — Дамашқ ва Хомат шаҳарларидан шарқда жойлашган.

9:1 *Эгамиз барча Исроил қабилаларини кузатиб тургандай, Бутун инсониятни ҳам кузатади* — ёки *Барча Исроил қабилаларининг ҳамда инсониятнинг кўзлари Эгамиздадир*.

9:2 *Хомат* — ҳозирги Суриянинг шимолида жойлашган шаҳар.

9:2 *Тир ва Сидон* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар. Бу шаҳарлар Исроилдан шимолда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади. Филистлар бу шаҳарлар билан иттифоқ тузган эдилар.

9:2 *…Эгамизнинг кўзи остидадир* — ёки *…Эгамизга кўз тиккан*.

9:5 *Ашқалон шаҳри* — Филист халқи қуйидаги бешта шаҳар–давлатни барпо қилган эди: Ғазо, Ашдод, Ашқалон, Эхрон ва Гат. Бу шаҳарлар Филистияда, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди.

9:7 *...қонли гўшт...ҳаром овқат...* — Филистлар Худонинг халқи қаторига кирадилар, шундан кейин тақиқланган овқатларни емайдиган бўладилар (Ибтидо 9:4, Левилар 11:1-23 га қаранг).

9:7 *Ёбус халқи* — Қуддуснинг туб аҳолиси. Шоҳ Довуд шаҳарни босиб олгандан кейин улар ҳам Худонинг халқи қаторига кирди (2 Шоҳлар 5:6-10, 24:16 га қаранг).

9:10 *Эфрайим* — Эфрайим қабиласи Исроилнинг шимолий қисмидаги энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном Исроилга, яъни шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭФРАЙИМ сўзига қаранг.

9:10 *...Эфрайим...Қуддус...* — бу ўринда Закариё Худонинг халқига тегишли бўлган, қайта тикланган, бирлашган жанубий ва шимолий шоҳликка ишора қиляпти. Ҳизқиёл 37:15-28 га қаранг.

9:11 *Қурбонлик қони билан тасдиқланган аҳдим* — Чиқиш 24:1-8 га қаранг.

9:13 *...Яҳудо...Эфрайим...* — шу бобнинг 10–оятига берилган изоҳларга қаранг.

9:13 *Сион* — 1:14 изоҳига қаранг.

9:13 *Юнон* — ибронийча матнда *Ёвон*, ўша вақтда Юнон халқи шу ном билан ҳам аталарди.

10:2 *Хонаки санамлар* — ибронийча матнда *Терафим*. Одамлар бу санамлардан фол очишда фойдаланган бўлсалар керак.

10:3 *Яҳудо* — 1:19 нинг биринчи изоҳига қаранг.

10:4 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

10:6 *Юсуфнинг авлоди* — Исроилнинг, яъни шимолий шоҳлик аҳолисининг наслларига ишора. Шимолий шоҳликнинг иккита асосий қабиласи — Эфрайим ва Манаше қабилалари Юсуфдан келиб чиққан эдилар.

10:7 *Эфрайим халқи* — 9:10 нинг биринчи изоҳига қаранг.

10:9 *Мен уларни...сочиб юборган бўлсам ҳам...* — 1:19 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

10:10 *...Миср юрти...Оссурия ери...* — Миср Исроил юртидан жанубда, Оссурия эса шимолда жойлашган эди.

10:11 *салтанат ҳассаси* — бу махсус ҳасса бўлиб, шоҳ ва ҳукмдорларнинг ҳокимиятини билдирувчи рамз эди.

11:1 *Садр дарахтлари* — Лубнон тоғлари ўзининг катта садр дарахтлари ва гўзал табиати билан машҳур эди (Қонунлар 3:25, Забур 103:16-17 га қаранг).

11:2 *Башан* — Жалила кўлининг шимоли–шарқида жойлашган бўлиб, ўзининг ям–яшил яйловлари, гуллари ва дарахтлари билан машҳур эди.

11:7 *чўпон* — шу бобнинг 7-14–оятларига кўра, Закариё чўпонлик вазифасини ўз зиммасига олар экан, бу ҳаракат орқали Худонинг Ўз халқини етаклашини ва

уларга ғамхўрлик қилишини мажозий маънода ифодалайди.

11:7 *…қўй савдогарлари мени бўғизланадиган қўй сурувига чўпон қилиб ёлладилар* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *…мен бўғизланадиган, қаттиқ зулм кўрган қўй сурувига чўпон бўлдим*. Яна шу бобнинг 11–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

11:10 *Ўз халқи* — ибронийча матнда *ҳамма халқлар*. Бу ўринда Исроил халқининг ҳамма қабилаларига, яъни Худонинг халқига шеърий усулда ишора қилинган бўлиши мумкин. Худо ҳамма халқлар билан аҳд тузгани ҳақида Эски Аҳднинг бирон жойида айтилмаган.

11:11 *Мени кузатиб турган қўй савдогарлари…* — қадимий юнонча таржимадан. Ибронийча матнда *Мени кузатиб турган, қаттиқ зулм кўрган сурув…*.

11:12 *ўттиз кумуш танга* — ибронийча матнда *ўттиз бўлак кумуш*, тахминан 330 граммга тўғри келади. Қулнинг нархи ўттиз кумуш танга бўлгани боис (Чиқиш 21:32 га қаранг), Закариё пайғамбарга тўланган бу нарх унинг ўзига ҳам, Худога ҳам қаттиқ ҳақорат эди.

11:13 *…кулолга…кулолга…* — ибронийча матндан. Қадимий сурёнийча таржимада *…хазинага…хазинага…*, Маъбад хазинасига ишора. Эритилишдан олдин баъзи қимматбаҳо металлар лой идишларда сақланган. Баъзан металлга ишлов берувчи уста эритилган металлни лой идишларга қуйиб, кейинчалик ишлатиш учун сақлаб қўярди. Мана шу сабабларга кўра, кўп олимлар бу ўринда ишлатилган *кулол* сўзи металлни эритиб, унга ишлов берадиган одамга ишора қилади, деб айтадилар.

11:14 *Яҳудо ва Исроил* — бир пайтлар Яҳудо номи жанубий шоҳликка, Исроил эса шимолий шоҳликка нисбатан ишлатилган (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО ва ИСРОИЛ сўзларига қаранг). Закариё даврига келиб, ўша шоҳликлар йўқ бўлиб кетган эди. Шу сабабдан мазкур оятдаги бу номлар Худонинг жамики халқига ишора қилади.

12:1 *Исроил* — бу ўринда Худонинг жамики халқи назарда тутилган (11:14 изоҳига қаранг).

12:2 *У ўзининг атрофидаги халқларни гандираклатадиган бўлади* — бу ўринда шароб Худо ғазабининг рамзи бўлиб, шаробдан маст бўлиш Худонинг ҳукмига дучор бўлишни билдиради (Ишаё 51:17-23, Еремиё 25:15-29 га қаранг). Халқлар Қуддусга ҳужум қилсалар, уларнинг ўзлари ҳалок бўладилар.

12:11 *Ҳадад–Риммон* — Яҳудонинг охирги солиҳ шоҳи Йўшиё аза тутиш учун бориб турадиган жойнинг номи бўлиши мумкин. Йўшиё Магидў текислигида бўлган жангда ўлдирилган (2 Солномалар 35:20-25 га қаранг).

12:12 *Натан* — Довуднинг ўғилларидан бири (2 Шоҳлар 5:14 га қаранг).

12:13 *Шимах* — Левининг набираларидан бири (Саҳрода 3:17-18 га қаранг).

13:6 *Баданингиздаги яра излари* — Канъон халқларининг худоларига хизмат қиладиган пайғамбарлар баъзан баданларини тилардилар (3 Шоҳлар 18:28 га қаранг). Баданларидаги яра излари уларнинг сохта пайғамбар бўлганининг далили эди.

14:1 *Эгамизнинг куни* — Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бир неча марта учрайдиган ибора. Кўпинча бу ибора Худо берадиган жазога ишора қилади. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша

куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

14:5 *Озиёл* — бу жой ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу бобнинг 4–оятида тасвирланишича, бу жой Қуддусдан шарқда бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

14:5 *Яҳудо шоҳи Уззиё даврида бўлган зилзила* — Яҳудо шоҳи Уззиё даврида (яъни милоддан олдинги 781-740 йилларда) қаттиқ зилзила бўлгани тарихдан маълум. Бу зилзила ҳақида Амос 1:1 да ҳам айтиб ўтилган.

14:10 *Шимолдаги Гебодан Қуддуснинг жанубидаги Риммонгача бўлган жойлар, бутун юрт…* — Яҳудо юртига ишора. Бобилликлар Яҳудони босиб олишларидан олдин, Гебо ва Риммон шаҳарлари Яҳудонинг шимолий ва жанубий чегараларига яқин ерда жойлашган эди (1:19 нинг изоҳларига қаранг).

14:10 *узум сиқиш чуқури* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

14:18 *…уларнинг юртида ҳам ёмғир ёғмайди. Эгамиз…* — ёки *…улар Қуддусга бормаса, Эгамиз…*.

14:20 *“Эгамизга бағишланган”* — тилла лавҳага ўйиб ёзилган бу ёзувни олий руҳоний салласининг олд томонига тақиб юрарди (Чиқиш 28:36-38 га қаранг). Оятнинг мазмунига кўра, Эгамизнинг куни келганда ҳамма нарса муқаддас, Худонинг хизматига бағишланган бўлади.

14:21 *савдогарлар* — ибронийча матнда *Канъонликлар*. Баъзи ўринларда Канъонликлар сўзи савдогарларга нисбатан ишлатилган. Оят мазмунига кўра, Маъбадда сажда қилувчилар бундан кейин савдогарлардан покланган идишлар сотиб олишга мажбур бўлмайдилар, чунки ҳамма идишлар муқаддас бўлади. Ёки Закариё *Канъонликлар* сўзи орқали Худога чин дилдан итоат этмайдиган, Унга сажда қилмайдиган одамларга ишора қилган бўлиши мумкин.

МАЛАКИ
ПАЙҒАМБАРНИНГ КИТОБИ

Кириш

Малаки пайғамбар Нахимиёнинг замондоши бўлиб, тахминан милоддан олдинги 430 йилларда* фаолият кўрсатган. Ўша вақтда Қуддусдаги Маъбад қайта қурилиб бўлган ва Бобил асирлигидаги яҳудийларнинг асосий қисми ўз юртига қайтиб келганди. Уларнинг ватани Форс империясига қарам эди.

Яҳудийлар учун бу ниҳоятда машаққатли дамлар эди. Кичкинагина Яҳудо юрти буюк Форс империясининг арзимас бир қисми бўлгани боис, одамлар ўзларининг порлоқ келажагига умидини йўқотган эдилар. Қурилган янги Маъбадда Худо Ўз улуғворлиги ва қудратини ҳамон зоҳир қилмагани учун, халқ Унинг содиқ севгисига ва одиллигига шубҳа қиларди. Шу сабабдан улар Худога лозим бўлган даражада иззат–икром кўрсатмасдилар, Маъбадга эътиборсиз бўлардилар, Худога маъқул бўлмаган қурбонликлар келтирар эдилар. Улар Худонинг қонунларига риоя қилмасдилар, камбағал ва етим–есирларга ёмон муомалада бўлиб, хотинлари билан ажрашар эдилар. Ушр* ва эҳсонларни Маъбадга олиб келмас эдилар, бу эса Худонинг назарида ўғрилик эди.

Малаки пайғамбар халқни огоҳлантиради, Эгамизнинг келиши ҳақида хабар бериб, Худо Ўз халқини ҳукм қилишини, уларни поклашини эълон қилади. Эгамиз келишидан олдин йўл ҳозирлайдиган элчисини юборади. Худонинг Ўз халқига барака бериши ва халқнинг ёрқин келажаги ҳақидаги башоратлар ҳам китобдан ўрин олган.

1–БОБ

1 Башорат. Малаки пайғамбар орқали Исроил халқига Эгамиз қуйидаги
сўзларни аён қилди.

Худонинг Исроил халқига бўлган севгиси

2 Эгамиз шундай дейди:

— Мен сизларни севдим. Сизлар эса: “Бизга севгингни қандай намоён
қилдинг?” деб сўрайсизлар. Эсов Ёқубнинг акаси эмасмиди?! — дейди Эгамиз. —
Шундай бўлса–да, Мен Ёқубни яхши кўриб, 3 Эсовдан нафратландим. Эсовга
берилган қирларни хароб қилдим, мерос бўлган ўша ерларини чиябўриларга
бердим.

4 Борди–ю, Эдом халқи*:

— Шаҳарларимиз вайрон бўлди, аммо биз уларни тиклаб оламиз, — дегудек
бўлсалар, Сарвари Олам уларга шундай жавоб беради:

— Шаҳарларини тикласинлар, Мен эса уларни яна вайрон қилавераман.
Шунда одамлар Эдом ҳақида: “Бу ёвузлар юрти, Эгамиз улардан абадий
ғазабланган”, деб айтадиган бўлишади. 5 Эй Исроил халқи, буни сизлар ўз
кўзингиз билан кўриб: “Эгамизнинг қудрати юртимизнинг чегаралари билан
чекланмас”, деб айтадиган бўласиз.

Эгамиз руҳонийларга танбеҳ беради

6 Сарвари Олам шундай дейди:

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

— Эй руҳонийлар, ўғил отасини ҳурмат қилади–ку! Хизматкор хўжайинидан қўрқади–ку! Агар Мен Отангиз бўлсам, нега Мени ҳурмат қилмайсиз? Агар Хўжайинингиз бўлсам, нега Мендан қўрқмайсиз? Сизлар Мени хўрлаяпсиз. Яна: “Қандай қилиб Сени хўрлабмиз?” деб сўрайсиз. 7 Сизлар қурбонгоҳимга ҳаром назрлар олиб келиб, Мени хўрлаяпсиз. Яна: “Қандай қилиб Сени ҳақорат қилибмиз?” деб сўрайсиз. Сизлар: “Эгамизнинг дастурхонини* писанд қилмаса ҳам бўлади”, деб айтасиз. Шу орқали Мени ҳақоратлаган бўласиз. 8 Кўр молни қурбонлик қилаётганингиз тўғрими?! Чўлоқ, касалманд молни қурбонлик қилаётганингиз тўғрими?! Ўшани ҳукмдорингизга тақдим қилиб кўринг–чи. У сизлардан мамнун бўлиб, илтифот қилармикан?! — дейди Сарвари Олам. 9 — Эй руҳонийлар, айб ўзингизда. Қани: “Бизга барака бер!” деб Мен, Худога ёлвориб кўринглар–чи. Бундай қилмишларингиз учун Мен биронтангизга барака берармикинман?! — дейди Сарвари Олам. 10 — Қанийди, бирортангиз Маъбад эшикларини ёпиб ташлаганингизда! Шунда ичкарига кириб қурбонгоҳим устида беҳуда олов ёндирмаган бўлар эдингиз! Мен сизлардан мамнун эмасман, назрларингизни қабул қилмайман, — дейди Сарвари Олам. — 11 Зеро, дунёнинг у чеккасидан бу чеккасигача бўлган барча халқлар орасида Менинг номим улуғланмоқда. Бутун ер юзида Менга атаб тутатқилар тутатилмоқда, ҳалол қурбонликлар келтирилмоқда. Ҳа, халқлар орасида буюкдир Менинг номим! — дейди Сарвари Олам. 12 — Сизлар эса: “Раббийга арзимас назрлар келтирсак ҳам бўлаверади”, дея Менинг дастурхонимни* булғаяпсизлар. 13 Яна: “Буларнинг ҳаммасидан чарчаб кетдик”, дея юзларингизни буриштиряпсизлар, — дейди Сарвари Олам. — Сизлар чўлоқ, касалманд ёки бировдан тортиб олинган жониворни қурбонлик қиласизлар! Мен эса ўшани қабул қилишим керакми?! — дейди Эгамиз. 14 — Лаънатисизлар! Подангиздаги бир қўчқорни Мен, Раббийга атаб қўйгансизлар–у, лекин ўрнига нуқсонли жониворни қурбонлик қиляпсизлар. Мен буюк Шоҳман, — дейди Сарвари Олам. — Менинг номим халқлар орасида иззат–икром билан тилга олинар.

2–БОБ

1-2 Сарвари Олам шундай дейди: “Эй руҳонийлар, энди сизларга амрим шудир: Менга қулоқ солинг. Чин юракдан номимни улуғланг. Акс ҳолда, устингизга лаънатлар ёғдираман, баракаларингизни лаънати қиламан. Дарвоқе, баракаларингизни лаънатлаб бўлдим ҳам, чунки биронтангиз огоҳимга эътибор бермадингиз. 3 Мен фарзандларингизни жазолайман. Қурбонликларингизнинг ичакларидан чиққан ахлатни бетларингизга сочаман, ўша ахлатга қўшиб, ўзларингизни ҳам ахлат уюмига ташлаб юбораман.

4 Шунда бу амрни сизларга Мен берганимни билиб оласизлар. Мен бу амр орқали ота–бобонгиз Леви ва унинг насллари билан тузган аҳдимни* мустаҳкам қилмоқчи эдим, — дейди Сарвари Олам. 5 — Леви қабиласи билан қилган ўша аҳдим фаровон ҳаёт аҳди эди. Мен левиларнинг қалбига қўрқувни солиб қўйдим, улар Мендан қўрқишарди, номимни бениҳоя иззат этишарди. 6 Улар кўрсатмаларимни халққа бузмасдан етказишарди, адолатли ҳукм чиқаришарди. Софдиллик ва тўғрилик йўлларида Менга ҳамроҳ эдилар, кўпларни гуноҳдан қайтардилар.

7 Руҳонийнинг вазифаси одамларга тўғри таълим беришдир. Одамлар унинг олдига маслаҳат сўраб боришлари керак, ахир, Мен Сарвари Оламман, у Менинг элчимдир. 8 Аммо, эй руҳонийлар, сизлар йўлимдан оғдингизлар, ўз кўрсатмаларингиз билан кўпларни йўлдан урдингизлар. Леви қавми билан

тузган аҳдимни барбод қилдингизлар, — дейди Саравари Олам. [9] — Мен эса сизларни хўрладим, барча халқлардан пастроқ қилдим. Сизлар Менинг йўлимдан юрмаяпсиз, қонун масаласида тарафкашлик қиляпсиз.”

Яҳудо халқининг Худога бўлган садоқатсизлиги

[10] Ҳаммамизнинг Отамиз* бир эмасми?! Ҳаммамизни бир Худо яратган эмасми?! Нега энди биз бир–биримизга садоқатсиз бўлишимиз керак?! Нега Худо ота–боболаримиз билан тузган аҳдни булғашимиз керак?! [11] Эй Яҳудо халқи*, сизлар садоқатсизлик қилдингиз. Қуддусда ҳамда бутун юртда жирканчли ишларга қўл урдингиз. Ҳа, Эгамиз яхши кўрадиган Маъбадни булғаб, бегона худоларга топинадиган қизларга уйландингиз. [12] Эгамиз бундай ишларга қўл урган ҳар бир одамни халқимиз* орасидан йўқ қилсин. Ундай одамлар Саравари Оламга назрлар келтирмасин.

[13] Сизлар яна шундай қиляпсиз: Эгамизнинг қурбонгоҳини кўз ёшлар билан ювяпсиз, фарёд қилиб фиғон чекяпсиз, чунки Худо назрларингизни қабул қилмаяпти, У булардан мамнун эмас. [14] “Нима учун?” деб сўрайсиз. Чунки сизлар ёшлик чоғингизда уйланган хотинингизга бевафолик қилдингиз. Ахир, у сизнинг умр йўлдошингиз, никоҳ аҳдингиздаги хотинингиз–ку! Эгамизнинг Ўзи сизларнинг орангизда гувоҳдир. [15] Эҳтиёт бўлинг, орангизда ҳеч ким ўз хотинига хиёнат қилмасин. Худо сизларни бир тану бир жон қилган–ку!* Энди Худо сизлардан нимани кутяпти? Ҳақиқий художўй фарзандларни кутяпти*.

[16] “Хотинидан нафратланиб, ундан ажрашган эркак* ўз ҳимояси остида бўлган хотинига шафқатсизлик қилган бўлади*”, — дейди Исроил халқининг Худоси — Эгамиз. “Шу боис ҳушёр бўлинглар, хиёнат қилманглар”, — дейди Саравари Олам.

Эгамиз адолат ўрнатадиган кун

[17] Сизлар гапларингиз билан Эгамизни чарчатиб юбордингизлар–ку, яна: “Қандай қилиб Уни чарчатибмиз?” деб сўрайсизлар. Сизлар: “Ёмонлик қилган ҳаммани Эгамиз яхши кўради, улардан мамнун бўлади. Қани, адолат Худоси борми ўзи?!” деб айтасизлар. Бу гапларингиз билан Эгамизни чарчатяпсизлар.

3–БОБ

[1] Саравари Олам шундай дейди: “Мана, Мен Ўз элчимни юборяпман. У Мен учун йўлни ҳозирлайди. У тўсатдан Ўз Маъбадига келади. Сизлар излаётган Раббий Ўшадир. Аҳд элчиси Унинг Ўзидир. Сизлар Ундан ғоят мамнун бўласиз.”

[2] Аммо У келганда ким бардош бера олади?! Пайдо бўлганда кимнинг жони сақланиб қолади?! Ҳа, У ўядиган ишқор, тозалайдиган олов кабидир. [3] У ўтириб, Леви авлодини* тозалайди, кумуш ва олтинни оловда софлагандай уларни софлайди. Шунда улар Эгамизга манзур келадиган назрлар тақдим қилишади. [4] Кейин Яҳудо халқи ва Қуддус аҳолиси келтирган назрлар Эгамизга олдингидай маъқул бўлади.

[5] Саравари Олам шундай дейди: “Шундагина Мен ҳукм қилгани олдингизга бораман. Мендан қўрқмайдиган ҳаммага — сеҳргар, зинокор, ёлғон қасам ичганлар, мардикорларнинг иш ҳақини ушлаб қоладиганлар, етим ва беваларни эзувчиларга ва мусофирларни турткилаганларга қарши тезда гувоҳлик бераман.”

Тавбага ундов

[6-7] Саравари Олам шундай дейди:

— Эй Ёқуб ўғлонлари, Мен Эгангизман. Мен ҳеч қачон ўзгармайман! Шунинг учунгина сизлар йўқ бўлиб кетмадингизлар. Ота–боболарингиз

қонун–қоидаларимдан юз ўгирдилар. Сизлар ҳам улар сингари қонунларимга риоя қилмадингизлар. Энди тавба қилинглар. Ҳа, Менинг олдимга қайтиб келинглар. Шунда Мен ҳам олдингизга қайтиб бораман. Аммо сизлар: “Нега тавба қилишимиз керак?” деб сўрайсизлар. 8 Инсон Худодан нарса ўғирлашга журъат қиладими?! Аммо Сизлар Менинг нарсамни ўғирлаяпсизлар! Яна: “Нимангни ўғирлабмиз?” деб сўрайсизлар. Ушр* ва эҳсонларимни ўғирладингиз! 9 Э, лаънати бўлиб кетинглар! Менинг нарсамни ўғирлабсиз–а! Сизлар, бутун халқ, лаънатисизлар! 10 Қани, омборхонага ушрни беками–кўст қилиб олиб келинглар. Хонадонимга озуқа келтиринглар. Шу йўл билан Мени синаб кўринглар, — дейди Сарвари Олам. — Шунда кўрасизлар, Мен осмон қопқаларини очаман. Сизларга марҳаматимни сероб қилиб ёғдираман. 11 Мен экинларингизни ҳар қандай зараркунанда ва қурт–қумурсқалардан асрайман. Узумзорларингизга зиён етмайди, — дейди Сарвари Олам. 12 — Шунда барча халқлар сизларни бахтли деб атайди. Ҳа, юртингиз оромбахш бир жой бўлади, — дейди Сарвари Олам.

13 Эгамиз шундай деди:

— Сизлар Мен ҳақимда ёмон гапирдингиз. Яна: “Қачон Сен ҳақингда ёмон гапирибмиз?” дейсизлар–а. 14 Сизлар айтасиз: “Худога хизмат қилиш беҳуда. Сарвари Оламнинг талабларини адо этишдан ҳеч фойда йўқ. Унинг ҳузурида азадор каби юришнинг нима кераги бор?! 15 Такаббурлар бахтли–ку. Ёвузлар ҳам гуллаб–яшнайдилар. Мана, қаранг, улар Худони синаб туриб жазодан ҳам қочиб қутулдилар.”

16 Эгамиздан қўрққанлар шулар ҳақида гаплашдилар. Эгамиз эса уларнинг гапларига эътибор бериб қулоқ солди. Унинг ҳузурида Эгамиздан қўрққан, Унинг номини эъзозлаганлар ҳақида Хотира китоби ёзилди. 17 Сарвари Олам шундай дейди: “Улар Меники бўладилар. Мен белгилаган кунда хазинамнинг гавҳарлари бўладилар. Меҳрибон ота–она ўз итоаткор боласини халос этгандай, Мен ҳам уларни халос этаман. 18 Шунда, эй халқим, сизлар солиҳу фосиқнинг фарқини яна кўрасиз. Ҳа, Менга хизмат қиладигану Менга хизмат қилмайдиганнинг ҳолини биласиз.”

4–БОБ

Эгамизнинг куни яқинлашиб қолди

1 Сарвари Олам шундай дейди: “Ана, Эгангизнинг куни* яқинлашиб қолди. Ўша кун ловуллаган тандирдай бўлади. Такаббурлар билан ёвузларнинг ҳаммаси гўё хас–чўпдир. Келаётган ўша куни ҳаммаси ёндириб ташланади. Улардан на шохлар, на илдизлар қолади.

2 Сизлар учун эса, эй номимни эшитиб қўрқадиганлар, нажот қуёш каби кўтарилади, сизларга шифо нурларини сочади. Ҳа, сизлар шодланасизлар. Оғилхонадан қўйиб юборилган бузоқлардай сакрайсизлар. 3 Ёвузларни босиб эзасизлар. Ҳа, Мен белгилаган ўша кунда улар оёғингиз остидаги тупроқдай бўлади, — дейди Сарвари Олам. — 4 Қулим Мусонинг кўрсатмаларини эсланг. Унга Синай тоғида* бутун Исроил халқи учун берган одил қонун–қоидаларимни эсга олинг. 5 Мана, Мен, Эгангизнинг улуғ ва даҳшатли куни келишидан олдин, олдингизга Илёс пайғамбарни юборяпман. 6 Илёс оталарнинг юракларини фарзандларига, фарзандларнинг юракларини эса оталарига мойил қилади. Токи Мен юртни лаънатлаб йўқ қилмайин.”

ИЗОҲЛАР

...тахминан милоддан олдинги 430 йиллар... — Нахимиё 13:6-31 га қаранг, бу оятларда ўша даврда Қуддусдаги муаммолар ҳақида баён қилинган.

Ушр — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Левилар 27:30-33, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

1:4 *Эдом халқи* — Исроил халқи Ёқубдан, Эдом халқи эса Ёқубнинг акаси Эсовдан келиб чиққан эди. Эдом Ўлик денгизнинг жанубида жойлашган юрт эди. Эдом халқи азалдан Исроил халқининг душмани бўлиб келган эди.

1:7 *Эгамизнинг дастурхони* — Маъбаддаги қурбонгоҳга ва Маъбадда Худога чин қалбдан сажда қилишга ишора.

1:12 *Менинг дастурхоним* — шу бобнинг 7–ояти изоҳига қаранг.

2:4 *Леви ва унинг насллари билан тузган аҳдим* — Худо Леви қабиласидан битта хонадонни, яъни Ҳоруннинг авлодини Исроил халқининг руҳонийлари қилиб танлади (Чиқиш 28:1, 29:1-9 га қаранг).

2:10 *Отамиз* — Худо назарда тутилган бўлиши мумкин (1:6 га қаранг). Эҳтимол, Малаки халқнинг бобокалонлари Иброҳимга ёки Ёқубга ишора қилган.

2:11 *Яҳудо халқи* — Бобилдаги сургундан қайтиб келган одамлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЯҲУДО сўзига қаранг.

2:12 *халқимиз* — ибронийча матнда *Ёқуб чодирлари*. Бу ибора шеърий усулда қўлланилган бўлиб, Яҳудо халқига ишора қилади.

2:15 *Худо сизларни бир тану бир жон қилган–ку!* — Ибтидо 2:24 га қаранг.

2:15 *Энди Худо...кутяпти* — ёки *Ахир хушхулқ одам бундай қилмайди. Аксинча, у Худога тегишли фарзандлар ўстириш ниятида тўғри йўлда юради*.

2:16 *Хотинидан нафратланиб, ундан ажрашган эркак...* — ёки *Мен эр–хотиннинг ажралишидан нафратланаман, чунки хотинидан ажрашган эркак...*.

2:16 *...ўз ҳимояси остида бўлган хотинига шафқатсизлик қилган бўлади...* — ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *...ўз кийимини зўравонлик билан қоплайди...*. Баъзан иброний тилида кийим сўзи рамзий маънони ифодалаб, ижобий маънода қўлланилади ва эр хотинини севишига, унга ғамхўрлик қилиш ҳақида берган ваъдасига ишора қилади (Ҳизқиёл 16:8 га қаранг, яна Рут 3:9 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

3:3 *Леви авлоди* — 2:3-9 оятларга ва 2:4 изоҳига қаранг.

3:8 *Ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Левилар 27:30-33, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

4:1 *Эгангизнинг куни* — Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида бир неча марта учрайдиган ибора. Кўпинча бу ибора Худо берадиган жазога ишора қилади. Бу ибора яна қиёмат кунидаги Худонинг ҳукмига нисбатан ҳам ишлатилади. Ўша куни Худо Ўз душманлари устидан ғалаба қозонади ва уларни жазолайди, Ўзига содиқ қолганларга эса ором бағишлайди, уларга тинчлик ва қут–баракалар ато қилади.

4:4 *Синай тоғи* — ибронийча матнда *Хорев тоғи*, Синай тоғининг яна бир номи.

МАТТО

БАЁН ЭТГАН МУҚАДДАС ХУШХАБАР

Кириш

Мазкур китоб Янги Аҳд таркибидаги тўртта Хушхабарнинг биринчисидир. Бу китоб муаллифи Исонинг ўн икки шогирдидан бири бўлган Маттодир. У ўз Устозининг ҳаёти ва фаолиятини батафсил баён этади.

Эски Аҳд битиклари Исроил халқи учун катта аҳамиятга эгалигини билган муаллиф, пайғамбарларнинг башоратларига асосланган ҳолда, Исонинг Худо томонидан юборилган Масиҳ, яъни нажот берувчи танланган Шоҳ эканини исботлаб беради. Шунингдек, у Исони буюк Устоз деб таърифлайди. Худонинг қонунларини мукаммал билган Исо Осмон Шоҳлиги ҳақида халққа кўп таълим беради.

Маттонинг бу китобни ёзишдан мақсади масиҳийларнинг эътиқоди Эски Аҳд битикларига мустаҳкам асосланганини кўрсатиш эди. Шу орқали у масиҳийларга имонда ўсишлари учун замин яратмоқчи бўлади. Мазкур китоб Эски Аҳдни Янги Аҳд билан чамбарчас боғлаб туради. Муаллиф Эски Аҳддаги башоратларга кўп аҳамият бергани сабабли, бу китоб биринчи навбатда яҳудий китобхонлари учун ёзилган, деган хулосага келишимиз мумкин. Китобда яҳудий урф–одатлари шарҳланмаган, балки кўп ибронийча терминлардан фойдаланилган. Китоб Исо Масиҳнинг насабномаси билан бошланган, насабномага Иброҳимдан бошлаб Исогача бўлган насллар киритилган. Исонинг “Довуд Ўғли” эканига катта эътибор берилган.

Китобдаги “Ҳақиқий бахтиёрлик” (5:1-12), “Бизнинг осмондаги Отамиз” ибодати (6:9-13) ва “Олтин қоида” (7:12) каби парчалар ниҳоятда машҳур бўлиб, одамларга ёд бўлиб кетган. Шулар билан бир қаторда, Исонинг китобга якун ясаган қуйидаги Буюк топшириғи ҳам одамлар орасида кенг танилган: “Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдиринглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан биргаман.” (28:18-20)

1–БОБ

Исо Масиҳнинг насл–насаби

1 Иброҳим ва Довуд авлодидан бўлган Исо Масиҳнинг насабномаси* қуйидагича:

Иброҳимдан Довудгача

2 Иброҳимдан Исҳоқ туғилди.
Исҳоқдан Ёқуб туғилди.
Ёқубдан Яҳудо ва унинг ака–укалари туғилдилар.
3 Яҳудо ва Тамарадан Параз ва Зерах туғилдилар.
Параздан Хазрон туғилди.
Хазрондан Рам* туғилди.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

4 Рамдан Оминадав туғилди.
Оминадавдан Нахшўн туғилди.
Нахшўндан Салмўн туғилди.
5 Салмўн ва Раҳобадан Бўаз туғилди.
Бўаз ва Рутдан Обид туғилди.
Обиддан Эссай туғилди.
6 Эссайдан шоҳ Довуд туғилди.

Довуд давридан Исроил халқи Бобилга сургун бўлган даврга ча

Довуд ва Уриёнинг собиқ хотинидан Сулаймон туғилди.
7 Сулаймондан Рахабом туғилди.
Рахабомдан Абиё туғилди.
Абиёдан Осо туғилди.
8 Осодан Ёҳушафат туғилди.
Ёҳушафатдан Ёҳурам туғилди.
Ёҳурамдан* Уззиё туғилди.
9 Уззиёдан Йўтом туғилди.
Йўтомдан Охоз туғилди.
Охоздан Ҳизқиё туғилди.
10 Ҳизқиёдан Манаше туғилди.
Манашедан Омон туғилди.
Омондан Йўшиё туғилди.
11 Исроил халқи Бобилга сургун қилинган даврда*
Йўшиё Ёҳайихинни* ва бошқа ўғил фарзандларни кўрди*.

Исроил халқи Бобилга сургун бўлган даврдан Исо давригача

12 Исроил халқи Бобилга сургун қилингандан кейин*
Ёҳайихиндан Шалтиёл туғилди.
Шалтиёлдан Зарубабел* туғилди.
13 Зарубабелдан Абиҳуд туғилди.
Абиҳуддан Элияқим туғилди.
Элияқимдан Аззур туғилди.
14 Аззурдан Зодўх туғилди.
Зодўхдан Охиём туғилди.
Охиёмдан Элиҳуд туғилди.
15 Элиҳуддан Элазар туғилди.
Элазардан Маттон туғилди.
Маттондан Ёқуб туғилди.
16 Ёқубдан Марямнинг эри Юсуф туғилди.
Марямдан эса Масиҳ деб аталган Исо туғилди.

17 Шундай қилиб, Иброҳимдан Довудгача ҳаммаси бўлиб ўн тўрт насл, Довуддан то халқ Бобилга сургун қилингунгача ўн тўрт насл ва сургунлик давридан то Масиҳ туғилгунгача ўн тўрт наслдир*.

Исо Масиҳнинг туғилиши

18 Исо Масиҳнинг туғилиши шундай содир бўлди: Исонинг онаси Марям Юсуфга унаштириб қўйилган эди. Уларнинг никоҳидан олдин Марям Муқаддас Руҳдан ҳомиладор эканини билди. 19 Марямнинг бўлғуси эри Юсуф солиҳ одам бўлиб, Марямни шарманда қилишни истамай, бировга билдирмасдан фотиҳасини бузмоқчи бўлди. 20 Юсуф бу ҳақда ўйлаб юрганда, Эгамизнинг бир фариштаси

унга тушида зоҳир бўлиб деди: “Эй Довуд ўғли Юсуф! Марямга уйланишдан
қўрқма, чунки қорнидаги Бола Муқаддас Руҳдан пайдо бўлган. 21 Марям ўғил
туғади, Унинг исмини Исо* қўясан, чунки У Ўз халқини гуноҳлардан қутқаради.”
22 Бу барча воқеалар Эгамизнинг пайғамбар орқали айтган қуйидаги сўзлари
бажо бўлиши учун юз берган эди:

23 “Қиз ҳомиладор бўлади, у ўғил туғади,
Унинг исмини Иммануил деб қўйишади.”*

Иммануил “Худо биз билан” деганидир.
24 Юсуф уйғониб кетди. Эгамизнинг фариштаси буюргандек, у Марямга
уйланди. 25 Аммо Марям Ўғилни* туғмагунча Юсуф Марямга яқинлашмади. Бола
туғилганда эса Юсуф Унга Исо деб исм қўйди.

2–БОБ

Шарқдан келган мунажжимлар

1 Исо шоҳ Ҳироднинг ҳукмронлиги даврида*, Яҳудиядаги Байтлаҳм шаҳрида
туғилган эди. Орадан кўп ўтмай шарқдан Қуддусга мунажжимлар келишди.
2 Улар:
— Яҳудийларнинг янги туғилган шоҳи қаерда? — деб сўрадилар. — Биз Унинг
юлдузи чиққанини кўрдик*. Унга таъзим қилгани келдик.
3 Бу гапни эшитиб шоҳ Ҳирод ҳам, бутун Қуддус аҳолиси ҳам безовталаниб
қолди. 4 Ҳирод барча бош руҳонийларни ва Таврот тафсирчиларини* тўплаб,
улардан:
— Масиҳ* қаерда туғилиши керак? — деб сўради. 5 Улар шундай жавоб
бердилар:
— Яҳудиядаги Байтлаҳм шаҳрида, чунки пайғамбарнинг битикларида шундай
ёзилган:

6 “Эй Яҳудо юртидаги Байтлаҳм!
Сен Яҳудонинг буюк шаҳарларидан ҳеч кам эмассан.
Зеро, сендан бир Ҳукмдор чиқади,
У халқим Исроилга чўпонлик қилади.”*

7 Шундан кейин Ҳирод ҳеч кимга билдирмай мунажжимларни чақириб,
улардан юлдуз пайдо бўлган аниқ вақтни билиб олди. 8 Сўнг уларни Байтлаҳмга
жўнатаётиб, деди:
— Байтлаҳмга боринглар, Бола тўғрисида ҳамма нарсани аниқ билиб
олинглар. Болани топганларингиздан кейин, менга хабар беринглар, токи мен
ҳам бориб, Унга таъзим қилайин.
9-10 Мунажжимлар шоҳнинг сўзларини эшитиб бўлиб, йўлга тушдилар. Уларга
олдин кўринган юлдуз* яна пайдо бўлди, мунажжимлар роса хурсанд бўлдилар.
Юлдуз уларга йўл кўрсатиб борди ва ниҳоят, Бола ётган жой тепасига келиб
тўхтади. 11 Мунажжимлар уйга кириб, Болани ва Унинг онаси Марямни кўрдилар.
Тиз чўкиб, Болага таъзим қилдилар. Сўнг хазиналар солинган қутичаларини очиб,
Унга олтин, хушбўй тутатқилар ва миррани* тортиқ қилдилар. 12 Ҳироднинг
олдига қайтмасликлари тўғрисида улар тушларида огоҳлантирилгандан кейин,
бошқа йўл билан ўз юртига қайтиб кетдилар.

Юсуф Марям ва чақалоқни Мисрга олиб қочади

13 Мунажжимлар кетганларидан кейин, Эгамизнинг бир фариштаси Юсуфга
тушида зоҳир бўлиб деди: “Тур! Бола билан онасини олиб, Мисрга қоч. Чунки
Ҳирод Болани топиб, ўлдирмоқчи. Мен сенга айтмагунимча, Мисрда қол.” 14 Юсуф
ўрнидан туриб, Бола билан Марямни олди–ю, тунда Мисрга жўнади. 15 Ҳироднинг
ажали етгунча, у ерда қолди. Эгамизнинг пайғамбар орқали: “Мен Ўғлимни
Мисрдан чақириб олдим”*, деб айтган башорати бажо бўлиши учун бу воқеа юз
берганди.

Байтлаҳмда болалар ўлдирилади

16 Ҳирод мунажжимларнинг алдаб кетганини билиб, ғазабга минди. У
Байтлаҳмдаги ва унинг атрофларидаги икки ёшгача бўлган ҳамма ўғил
болаларни қиличдан ўтказишни буюрди. Чунки мунажжимларнинг айтгани
бўйича юлдуз тахминан икки йил олдин чиққан эди. 17 Шундай қилиб, Еремиё
пайғамбарнинг айтганлари бажо бўлди:

> 18 “Рама шаҳридан* бир нидо эшитилар,
> Аччиқ бир нолаю оҳу фиғон бу.
> Болалари учун йиғлар Роҳила,
> Овунишни хоҳламас, чунки улар энди йўқ.”*

Юсуф оиласи билан Мисрдан қайтиб келади

19 Ҳирод вафот этгандан кейин Юсуф Мисрда экан, Эгамизнинг бир фариштаси
унга тушида зоҳир бўлиб деди: 20 “Тур, Бола билан онасини олиб, Исроил юртига
қайтиб бор. Боланинг жонига қасд қилганлар оламдан ўтди.”
21 Шунда Юсуф Бола билан Марямни олиб, Исроил юртига йўл олди. 22 Аммо
Яҳудияда Ҳирод ўрнига унинг ўғли Архелаюс* ҳукмронлик қилаётганини эшитиб,
у ерга боришга қўрқди. Сўнг тушида ҳам Яҳудияга бормаслик ҳақида
огоҳлантирилгандан кейин, Жалила ҳудудига йўл олди. 23 У ерга бориб, Носира
деган шаҳарга жойлашди. Шундай қилиб, Эгамиз пайғамбарлар орқали: “Уни
Носиралик деб атайдилар”, деб айтган башорати* бажо бўлди.

3–БОБ

Яҳё чўмдирувчининг келиши

1 Ўша кунларда* Яҳё чўмдирувчи Яҳудия чўлида* ваъз қила бошлади. 2 У
одамларга: “Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги* яқинлашди!” деб айтарди.
3 Яҳё тўғрисида Ишаё пайғамбар шундай деган эди:

> “Чўлда бир овоз янграмоқда:
> «Эгамизга йўл ҳозирланг,
> Унга тўғри йўл очинг!»”*

4 Яҳё туя жунидан тўқилган кийим кийиб, чарм камар тақиб юрарди*. Унинг
егулиги чигиртка ва ёввойи асал эди. 5 Унинг олдига Қуддус шаҳри ва Яҳудия
ўлкасининг қолган ҳамма жойларидан ҳамда Иордан дарёси атрофларидан
одамлар келарди. 6 Улар гуноҳларини эътироф этишар, Яҳё эса уларни Иордан
сувига чўмдирарди.
7 Фарзий* ва саддуқий* мазҳабларидан бўлган кўп одамлар сувга чўмдирилиш
учун келаётганларини Яҳё кўриб, деди: “Ҳой, илонлар зоти! Бошингизга
келаётган Худо ғазабидан қочиб қутуласиз, деб сизларга ким уқтирди? 8 Тавбага

яраша иш тутинглар! [9] Ўзингизча: «Биз Иброҳим наслиданмиз», деб айтишни
хаёлингизга ҳам келтирманглар! Сизларга шуни айтай: Худо мана бу тошлардан
Иброҳимга авлод тиклашга қодир. [10] Ҳозирданоқ дарахтлар илдизида болта
ётибди. Яхши мева бермаган ҳар бир дарахт кесилиб, оловга ташланади. [11] Тавба
қилганингизни кўрсатиш учун мен сизларни сувга чўмдиряпман. Лекин мендан
ҳам қудратлироқ бўлган бир Зот ортимдан келмоқда. Мен Унинг чориқларини
кўтариб юришга ҳам арзимайман. У сизларни Муқаддас Руҳга ва оловга*
чўмдиради. [12] Унинг паншахаси қўлида тайёр турибди. У Ўз хирмонини шопиради:
буғдойини омборга тўплаб, сомонни эса сўнмас ўтда ёндириб юборади.”

Исо сувга чўмдирилади

[13] Шу орада Исо Жалила ҳудудидан Иордан дарёси бўйига борди. У Яҳё
томонидан сувга чўмдирилмоқчи эди. [14] Лекин Яҳё Исони тўхтатмоқчи бўлиб
деди:

— Аслида Сиз мени сувга чўмдиришингиз керак! Сиз бўлсангиз менинг
олдимга келдингиз!

[15] Исо унга деди:

— Келинг, бу сафар шундай бўла қолсин. Ахир, биз Худонинг иродасини тўла
бажаришимиз зарур.

Шундан кейин Яҳё рози бўлди. [16] Исо сувга чўмдирилди. У сувдан чиққан
заҳоти, осмон очилиб кетди ва Исо Ўз устига Худонинг Руҳи каптар шаклида
тушиб қўнганини кўрди. [17] Шу пайт осмондан: “Бу Менинг севикли Ўғлимдир*,
Ундан ниҳоятда мамнунман*”, деган овоз келди.

4–БОБ

Исони иблис васвасага солади

[1] Иблиснинг синовидан ўтиши учун Муқаддас Руҳ Исони саҳрога бошлаб
кетди. [2] Исо қирқ кун ва қирқ кеча рўза тутди, охири оч қолди. [3] Шунда иблис*
келиб, Исони васвасага солмоқчи бўлиб деди:

— Агар Сен Худонинг Ўғли* бўлсанг, бу тошларга буюр, нонга айлансин!

[4] Исо унга жавобан деди:

— Ёзилганки: “Инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан
ҳар бир сўз билан яшайди.”*

[5] Кейин иблис Исони муқаддас шаҳар Қуддусга олиб борди. Уни Маъбаднинг
энг юқори жойига чиқариб, [6] шундай деди:

— Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни пастга ташла. Ахир, ёзилган–ку:

> “У Сен тўғрингда фаришталарига амр беради,
> Оёғинг тошга қоқилиб кетмасин дея,
> Фаришталар қўлларида Сени кўтариб боради.”*

[7] Иблисга Исо деди:

— “Эганг Худони синама”*, деб ҳам ёзилган.

[8] Сўнг Исони иблис баланд бир тоққа олиб чиқди. Унга оламнинг барча
шоҳликларини ҳамда уларнинг ҳашаматини кўрсатиб, [9] деди:

— Агар тиз чўкиб менга сажда қилсанг, буларнинг ҳаммасини Сенга бераман.

[10] Шунда Исо деди:

— Йўқол кўзимдан, шайтон! Ахир: “Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат
қил”*, деб ёзилган–ку!

11 Шундан кейин Исони иблис тарк этди. Фаришталар келиб, Исога хизмат
қилдилар.

Исо Жалилада хизматини бошлайди

12 Исо Яҳёнинг ҳибсга олинганини* эшитгач, Жалила ҳудудига қайтиб борди.
13 У Носира шаҳрида қолмай, Кафарнаҳумга бориб ўрнашди. Кафарнаҳум шаҳри
Забулун ва Нафтали ҳудудидаги* Жалила кўли бўйида жойлашган эди. 14 Шундай
қилиб, Ишаё пайғамбарнинг айтган қуйидаги сўзлари бажо бўлди:

15 “Эй Забулун ва Нафтали юрти!
Эй денгиз бўйидаги ерлар ва Иорданнинг нариги томонидаги ўлка!
Эй ғайрияҳудийлар Жалиласи!
16 Зулматда юрган халқ ёрқин зиёни кўрди,
Ўлим соя солган юрт аҳолиси устига нур сочилди.”*

17 Шу кундан бошлаб Исо: “Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги
яқинлашди”, деб ваъз қиладиган бўлди.

Исонинг дастлабки шогирдлари

18 Исо Жалила кўли бўйлаб кетаётган эди, икки ака–укани кўриб қолди.
Бирининг исми Бутрус деб аталувчи Шимўн, укасиники Эндрус эди. Улар балиқчи
бўлиб, кўлга тўр ташлаётган эдилар. 19 Исо уларга деди: “Ортимдан юринглар,
Мен сизларга одамларни овлашни ўргатаман.” 20 Улар ўша заҳотиёқ тўрларини
ташлаб, Исога эргашдилар.
21 Исо бир оз юргандан кейин, Ёқуб ва Юҳанно деган икки ака–укани кўриб
қолди. Улар отаси Забадиё билан бирга қайиқда тўр ямаётган эдилар. Исо уларни
ҳам чақирди. 22 Улар ҳам дарҳол қайиқни ва отасини қолдириб, Исонинг
орқасидан эргашдилар.

Исо халққа таълим беради ва хасталарни соғайтиради

23 Исо бутун Жалила ҳудудини кезиб юрарди. У синагогаларда таълим бериб,
Осмон Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни эълон қиларди, одамларнинг ҳар хил
хасталиклари ва дардларига шифо берар эди. 24 Исо ҳақидаги хабар бутун
Сурияга* ёйилди. Турли–туман дарду иллатлардан қийналиб юрганларни, жинга
чалинганларни, тутқаноқ ва шол касалига йўлиққанларнинг ҳаммасини Исонинг
олдига келтиришарди. Исо уларнинг ҳаммасига шифо берарди. 25 Жалиладан,
Декаполис ҳудудидан*, Қуддусдан, Яҳудиядан ва Иорданнинг нариги томонидаги
ерлардан кўплаб одамлар Исога эргашиб келарди.

5–БОБ

Ҳақиқий бахтиёрлик

1 Исо катта бир оломонни кўриб, тоққа чиқиб ўтирди. Шогирдлари Унинг
олдига келишди. 2 Исо шогирдларига таълим бериб, гап бошлади:

3 “Руҳан камбағал бўлганлар бахтлидир,
Чунки Осмон Шоҳлиги уларникидир.
4 Йиғлаётганлар бахтлидир,
Чунки улар тасалли топадилар.
5 Камтарин бўлганлар бахтлидир,
Чунки улар ер юзига эга бўладилар.
6 Адолатга ташна бўлганлар бахтлидир,

Чунки Худо уларни қондиради.
7 Раҳмдил бўлганлар бахтлидир,
Чунки улар раҳм–шафқат топадилар.
8 Покдил бўлганлар бахтлидир,
Чунки улар Худони кўрадилар.
9 Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир,
Чунки улар Худонинг фарзандлари деб аталадилар.
10 Худонинг йўлидан юргани учун
Қувғин бўлганлар бахтлидир,
Чунки Осмон Шоҳлиги уларникидир.

11 Одамлар Мен туфайли сизларни ҳақоратлаб қувғин қилганларида, сизлар
ҳақингизда ёлғон гапириб туҳмат қилганларида, бахтлисизлар! 12 Севининглар,
хурсанд бўлинглар. Сизларни осмонда буюк мукофот кутмоқда. Ахир, сиздан
аввал ўтган пайғамбарлар ҳам худди шундай қувғин бўлганлар.

Туз ва нур ҳақида

13 Сизлар ернинг тузисизлар. Лекин туз ўз таъмини йўқотса, уни яна қандай
шўр қилиб бўлади?! Бундай туз бошқа ҳеч нарсага ярамайди, уни оёқ остига
ташлаб юборишади.
14 Сизлар дунёнинг нурисизлар. Тепаликка қурилган шаҳарни кўздан пинҳон
тутиб бўлмайди. 15 Ҳеч ким чироқни ёқиб, устини идиш билан ёпиб қўймайди.
Аксинча, уни чироқпояга қўйишади, шунда чироқ уйдагиларнинг ҳаммасига
ёруғлик беради. 16 Сизнинг нурингиз ҳам инсонлар олдида шундай порласинки,
улар яхши ишларингизни кўриб, осмондаги Отангизни* улуғласинлар.

Мусонинг қонуни ҳақида

17 Мени, Таврот ёки пайғамбарларнинг битикларини* бекор қилгани келган,
деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим.
18 Сизга чинини айтайин: ер ва осмон йўқ бўлиб кетиши мумкин. Аммо Тавротдаги
на бир ҳарф, на бир нуқта ўчади. Унда ёзилган ҳамма нарса амалга ошади. 19 Шу
боис ким бу амрларнинг энг кичигига ҳам риоя қилмай, уни бошқаларга бузиб
ўргатса, Осмон Шоҳлигида энг кичик бўлади. Лекин ким бу амрларни бажариб,
бошқаларга ўргатса, Осмон Шоҳлигида буюк бўлади. 20 Сизларга айтиб қўяй: агар
сизларнинг солиҳлигингиз Таврот тафсирчилари ва фарзийларнинг
солиҳлигидан устун келмаса, сизлар ҳеч қачон Осмон Шоҳлигига
киролмайсизлар.

Ғазаб ва жазо ҳақида

21 Аждодларимизга шундай айтилганини эшитгансизлар: «Қотиллик қилма*.
Қотиллик қилган одам ҳукм қилинади.» 22 Лекин Мен сизларга айтаман: ўз
яқинидан ҳатто ғазабланган одам* ҳам ҳукм қилинади. Яқинини ҳақоратлаган
одам олий маҳкамада жавоб беради. Яқинига: «Аҳмоқсан» деган одам эса, дўзах
оловига ташланади.
23 Шундай экан, сиз эҳсонингизни қурбонгоҳга олиб келганингизда, яқинингиз
нимадандир сиздан хафа эканлиги ёдингизга тушса, 24 эҳсонингизни қурбонгоҳ
олдида қолдиринг. Биринчи навбатда бориб, яқинингиз билан ярашинг, кейин
келиб, эҳсонингизни назр қилинг.
25 Биров сизни айблаб қозихонага олиб борса, вақтни бой бермай, йўлдаёқ
айбловчингиз билан келишиб олинг. Акс ҳолда, айбловчингиз сизни қози олдига
олиб боради, қози эса сизни миршабга топширади. Сизни зиндонга ташлашади.

26 Сизларга чинини айтай: охирги тийинингизни тўламагунингизча, у ердан
чиқолмайсиз.

Зино ва ажралиш ҳақида

27 «Зино қилма»*, — деб айтилганини ҳам эшитгансизлар. 28 Лекин Мен
сизларга айтаман: агар сиз аёлга шаҳват билан қарасангиз, хаёлингизда у билан
зино қилган бўласиз. 29 Борди–ю, ўнг кўзингиз гуноҳ қилишингизга сабабчи
бўлса, уни ўйиб олиб, улоқтириб юборинг. Бутун баданингиз дўзахга
ташлангандан кўра, аъзоларингиздан биттаси йўқ бўлгани сиз учун яхшироқдир.
30 Агар ўнг қўлингиз гуноҳ қилишингизга сабабчи бўлса, уни кесиб ташлаб,
улоқтириб юборинг. Бутун баданингиз дўзахга йўлиққандан кўра,
аъзоларингиздан биттаси йўқ бўлгани сиз учун яхшироқдир.
31 Яна дейилганки: «Ким хотини билан ажрашмоқчи бўлса, унга талоқ хатини
ёзиб берсин.»* 32 Лекин Мен сизларга айтаман*: ким бевафолик айбидан бошқа
сабаб туфайли ўз хотини билан ажрашса, унга зино қилишга сабаб топиб беради.
Шунингдек, ким ажрашган хотинга уйланса, зино қилган бўлади.

Қасам ҳақида

33 Аждодларимизга: «Ичган қасамингдан қайтма. Эгамизга берган
ваъдаларингни бажаргин»*, деб айтилганини ҳам эшитгансизлар. 34 Лекин Мен
сизларга айтаман: умуман қасам ичманглар. «Осмон ҳақи», дея қасам ичманглар,
чунки осмон Худонинг тахтидир. 35 «Ер ҳақи», дея қасам ичманглар, чунки ер
Худонинг пойандозидир. «Қуддус ҳақи», дея ҳам қасам ичманглар, чунки Қуддус
буюк Шоҳнинг* шаҳридир. 36 Бошингиз ҳақи ҳам қасам ичманглар, чунки
ўзларингиз сочингизнинг бир толасини ҳам оқ ёки қора қила олмайсиз.
37 Сизларнинг сўзингиз фақат «ҳа» ёки «йўқ» бўлсин. Бундан ортиғи эса ёвуз
шайтондандир.

Ёмонликни яхшилик билан енгиш ҳақида

38 Сизлар: «Кўз эвазига кўз, тиш эвазига тиш»*, — деб айтилганини ҳам
эшитгансизлар. 39 Лекин Мен сизларга айтаман: сизга ёмонлик қилган одамга
қаршилик кўрсатманг. Агар кимдир ўнг чаккангизга урса, унга чапини ҳам
тутинг. 40 Ким сиз билан даъволашиб, кўйлагингизни олмоқчи бўлса, унга
тўнингизни ҳам бериб юборинг. 41 Биров* сизни бир чақирим* йўл юришга
мажбур қилса, у билан бирга икки чақирим юринг. 42 Сиздан сўраганга беринг,
сиздан қарз олмоқчи бўлгандан юз ўгирманг.

Душманларингизни яхши кўринглар

43 «Яқинингни севгин*, душманингдан нафратлан», деб айтилганини ҳам
эшитгансизлар. 44 Лекин Мен сизларга айтяпман: душманларингизни яхши
кўринглар. Сизларни қувғин қилганлар учун ибодат қилинглар*. 45 Шунда сиз
осмондаги Отангизнинг фарзандлари бўласизлар. Чунки У Ўз қуёшини ёвузлар
устида ҳам, яхшилар устида ҳам балқитади, ёмғирини солиҳлар устига ҳам,
фосиқлар устига ҳам ёғдиради. 46 Агар сизни севганларнигина яхши кўрсангиз,
сизларга қандай мукофот бўлади? Ахир, солиқчилар* ҳам шундай
қилишмайдими? 47 Агар сиз фақат ўз яқинларингиз билан саломлашсангиз,
бошқалардан нима фарқингиз қолади?! Ахир, бутпарастлар ҳам худди шундай
қилишмайдими?! 48 Осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сизлар ҳам
баркамол бўлинглар.

6–БОБ

Хайр–садақа ҳақида

1 Эҳтиёт бўлинглар, савоб ишингизни одамларга кўз–кўз қилманглар. Акс
ҳолда, осмондаги Отангиздан мукофот ололмайсизлар. 2 Бировга хайр–садақа
берганингиз ҳақида ҳаммага жар солиб юрманглар. Иккиюзламачиларгина
одамлардан таҳсин олиш учун синагогаларда ва кўча–кўйда шундай қиладилар.
Сизларга чинини айтайин: улар ўз мукофотини олиб бўлганлар. 3 Сиз эса
хайр–садақа бераётганингизда, ўнг қўлингиз нима қилаётганини чап қўлингиз
билмасин. 4 Хайр–садақангизни ҳеч кимга билдирмай беринг. Яширинча қилган
бу ишингизни кўрган Отангиз сизни тақдирлайди*.

Ибодат ҳақида

5 Ибодат қилганингизда, иккиюзламачиларга ўхшаманглар. Улар ўзларини
ҳаммага кўрсатиш учун синагогаларда ва кўчаларнинг бурчакларида туриб
ибодат қилишни яхши кўрадилар. Сизларга чинини айтай: улар ўзларининг
мукофотларини олиб бўлганлар. 6 Сиз эса ибодат қилаётганингизда ичкари
хонага кириб, эшикни беркитиб олинг ва яширин бўлган Отангизга ибодат
қилинг. Яширин қилган ишларингизни кўрган Отангиз сизни тақдирлайди.
7 Ибодат қилаётганингизда, бутпарастлар каби, беҳуда сўзларни ҳадеб
такрорлайверманг. Улар, кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар.
8 Уларга ўхшаманглар, чунки осмондаги Отангиз сўрамасингиздан олдин нимага
муҳтожлигингизни билади.
9 Сизлар эса шундай ибодат қилинглар:

«Бизнинг осмондаги Отамиз!
Сенинг муқаддас номинг улуғлансин.
10 Сенинг Шоҳлигинг келсин.
Осмонда бўлгани каби,
Ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин.
11 Бугунги ризқимизни бергин.
12 Бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиргандек,
Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин.
13 Бизни васвасага дучор қилмагин,
Ёвуз шайтондан халос қилгин*.»

14 Агар сизларга ёмонлик қилганларни кечирсангизлар, осмондаги Отангиз
ҳам сизни кечиради. 15 Борди–ю, сизлар бошқаларнинг гуноҳларини
кечирмасангизлар, Отангиз ҳам сизни кечирмайди.

Рўза ҳақида

16 Рўза тутаётганингизда, иккиюзламачилар каби, қовоқ солиб юрманглар.
Улар рўза тутаётганларини бошқаларга кўрсатиш учун ювиниб–таранмайдилар.
Сизларга чинини айтайин: улар ўз мукофотларини олиб бўлганлар. 17 Сизлар рўза
тутганларингизда юзларингизни ювиб, сочларингизни тараб юринг, 18 токи рўза
тутганингизни яширин бўлган Отангиздан бошқа ҳеч ким билмасин. Шунда
яширин қилган ишингизни кўрган Отангиз сизни тақдирлайди.

Самовий хазина ҳақида

19 Бу дунёда ўзларингиз учун бойлик ғамланманглар. Ахир, бундай бойликни
куя ейди*, занг босади, ўғри тушиб ўғирлайди. 20 Аксинча, ўзларингиз учун самода

хазина йиғинглар. Бундай бойликни куя емайди, занг босмайди, ўғри ҳам ўғирлай олмайди. 21 Хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади.

22 Тананинг чироғи — кўз. Агар кўзингиз яхши бўлса, бутун танангиз ёп–ёруғ бўлади. 23 Аммо кўзингиз ёмон бўлса, бутун танангиз зулматга тўлади. Агарда ичингиздаги нур зулмат бўлса, зимзиё зулматда қолган экансиз.

24 Ҳеч ким икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон кўриб, бошқасини яхши кўради, ёки бирига бағишланиб, бошқасини менсимайди. Сизлар ҳам Худога, ҳам бойликка бирдек хизмат қила олмайсизлар.

Тирикчилик ташвишлари ҳақида

25 Шунинг учун сизларга айтаман: тирикчилигингиздан хавотир олиб, нима еймиз, нима ичамиз, устимизга нима киямиз, деманглар. Ахир, ҳаёт овқатдан, тана эса кийимдан муҳимроқ эмасми?! 26 Қушларга қаранглар: улар на экади, на ўради, на омборга дон йиғади. Шунга қарамай, осмондаги Отангиз уларнинг ризқини беради. Сизлар эса улардан анча қадрлисизлар–ку! 27 Бирортангиз ташвишланиб, умрингизни бир лаҳзага* бўлса ҳам узайтира олармидингиз?! 28 Нега кийим учун ташвишланасизлар? Нилуфар гулларнинг қандай ўсишига эътибор қилинг: улар меҳнат қилмайди, ип йигирмайди. 29 Аммо сизларга айтаманки, ҳатто шоҳ Сулаймон* ўзининг шуҳрат чўққисида ҳам ўша гулларнинг бирортасидай кийинмаган. 30 Бугун бор, эртага эса ўчоққа ташланадиган дала ўтини Худо шундай безаган бўлса, наҳотки сизларни кийинтирмаса, эй имони сустлар?!

31 Шундай экан, нима еймиз, нима ичамиз, нима киямиз, деб ташвишланиб юрманглар. 32 Бутпарастлар ҳадеб бу нарсаларнинг ташвишида юрадилар. Лекин осмондаги Отангиз буларнинг ҳаммасига муҳтож эканингизни билади–ку! 33 Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги* ва Унинг иродасини бажариш пайида бўлинглар*, шунда қолган ҳамма нарса сизга берилади. 34 Хуллас, эртанги кун учун ташвиш тортманглар. Эртанинг ташвиши эртанинг ўзига тегишлидир. Ҳар бир куннинг ғам–ташвиши ўзига етади.

7–БОБ

Бошқаларни ҳукм қилманглар

1 Бошқаларни ҳукм қилишни бас қилинглар, шунда Худо ҳам сизларни ҳукм қилмайди. 2 Сизлар бошқаларни қандай ҳукм қилсангизлар, Худо ҳам сизларни худди шундай ҳукм қилади. Сизлар бошқаларни ҳукм қилганда қандай ўлчовдан фойдалансангизлар, Худо ҳам сизни ҳукм қилганда худди ўшандай ўлчовдан фойдаланади. 3 Нега сен биродарингнинг кўзидаги зирапчани кўрасан–у, ўз кўзингдаги ходани сезмайсан? 4 Ўз кўзингда хода бўла туриб, қандай қилиб биродарингга: «Кел, кўзингдаги зирапчани олиб ташлай», деб айтасан? 5 Ҳой, иккиюзламачи! Олдин кўзингдаги ходани чиқариб ол, шунда кўзинг тиниқ кўради ва биродарингнинг кўзидан зирапчани чиқара оласан.

6 Муқаддас бўлган нарсани кўппакларга берманг, марваридларингизни чўчқалар олдига ташламанг. Акс ҳолда, улар муқаддас нарсаларингизни оёқ ости қилиб, ўзингизни ҳам тилка–пора қиладилар!

Худодан сўранглар

7 Сўранг, сизга берилади. Изланг, топасизлар. Тақиллатинг, эшик очилади. 8 Чунки сўраган ҳар бир одам олади, излаган топади, тақиллатганга эшик очилади. 9 Орангиздан қайси бир ота ўғли нон сўраганда, унга нон ўрнига тош

беради? 10 Ёки балиқ сўраганда, унга балиқ ўрнига илон беради? 11 Сизлар
гуноҳкор бўла туриб болаларингизга яхши ҳадялар бера олар экансиз, осмондаги
Отангиз ҳам Ундан сўраганларга аъло неъматлар беришга қанчалар тайёр!
12 Одамлар сизларга нима қилишларини истасангиз, сизлар ҳам уларга ўшани
қилинглар. Таврот ва пайғамбарлар таълимотининг* мағзи шундадир.

Нажот эшиги тордир

13 Тор эшикдан киринглар! Чунки ҳалокатга олиб борадиган дарвоза энли,
йўли ҳам кенгдир. Бу йўлдан юраётганлар кўп. 14 Ҳаётга олиб борадиган эшик эса
жуда тор, йўли энсиздир. Бу йўлни топадиганлар оз.

Дарахт ва унинг меваси

15 Сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлинглар! Улар сизнинг олдингизга қўй
пўстинида келадилар, лекин ичларидан йиртқич бўрилардир. 16 Уларнинг
кимлигини қилган ишларидан билиб оласиз. Ахир, тиканзордан узумни,
янтоқдан анжирни териб бўлмайди–ку! 17 Ҳар бир яхши дарахт яхши мева беради,
ёмон дарахт эса ёмон мева беради. 18 Яхши дарахт ёмон мева беролмайди, ёмон
дарахт ҳам яхши мева беролмайди. 19 Яхши мева бермайдиган ҳар бир дарахт эса
кесилиб, оловга ташланади. 20 Шундай қилиб, сохта пайғамбарларни меваларидан
билиб оласиз.
21 Мени «Ё Раббий, ё Раббий!» деб чақирган ҳар ким Осмон Шоҳлигига
киравермайди. У ерга фақат осмондаги Отамнинг иродасини бажарган
одамларгина киради. 22 Қиёмат кунида кўплар Менга шундай дейдилар: «Ё
Раббий, ё Раббий, биз Сенинг номинг билан ваъз қилган эдик! Сенинг номинг
билан жинларни қувиб чиқаргандик! Сенинг номинг билан кўп мўъжизалар
қилган эдик–ку!» 23 Мен эса уларга дейман: «Мен сизларни асло танимайман!
Йўқолинглар, эй бадкирдорлар!»

Доно ва аҳмоқ бинокор

24 Ким Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларга амал қилса, уйини тош устига
қурган доно одамга ўхшайди. 25 Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, ўша
уйни босиб қолибди. Лекин тош устига ўрнатилгани учун уй қуламабди. 26 Бироқ
ким Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларга амал қилмаса, ўз уйини қум устига
қурган аҳмоқ одамга ўхшайди. 27 Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, ўша
уйни босиб қолибди. Уй қулаб, бутунлай вайрон бўлибди!”

28 Исо бу гапларини айтиб бўлгандан кейин, оломон Унинг таълимотидан
ҳайратга тушди. 29 Чунки Исо Таврот тафсирчиларидай* эмас*, балки ҳокимият
эгаси каби таълим берар эди.

8–БОБ

Тери касаллигига чалинган одамни Исо соғайтиради

1 Исо тоғдан тушганда катта бир оломон Унинг орқасидан эргашди. 2 Шу орада
тери касаллигига* чалинган бир одам Исонинг олдига келди. У тиз чўкиб, деди:
— Ҳазрат*, биламан, истасангиз, мени бу касалликдан Сиз поклай оласиз.
3 Исо қўлини узатиб, унга теккизди–да:
— Истайман, пок бўл! — деди. Тери касаллигига чалинган одам шу заҳоти
дардидан фориғ бўлди. 4 Исо унга деди:
— Менга қара! Бу тўғрида бировга оғиз оча кўрма. Бориб, ўзингни руҳонийга*
кўрсат. Покланганингни ҳаммага исбот қилиш учун* Мусо амр қилган

қурбонликларни келтир*.

Рим юзбошисининг имони

5 Исо Кафарнаҳум шаҳрига кириб келганда, бир Рим* юзбоши Унинг олдига
келиб, ёлворди:
6 — Ҳазрат, хизматкорим уйда тўшакка михланиб ётибди. У қаттиқ азоб
чекяпти.
7 — Майли, Мен бориб, хизматкорингизни соғайтираман, — деди Исо.
8 Юзбоши шундай деди:
— Ҳазрат! Кулбамга оёқ босишингиз учун номуносибман. Сиз буюрсангиз, бас,
хизматкорим соғайиб кетади. 9 Мен ўзим буйруққа тобе одамман, аммо менинг
ҳам қўлим остида аскарларим бор. Бирига “кет” десам, кетади, бошқасига “кел”
десам, келади. Бирон хизматкоримга “шуни қил” десам, қилади.
10 Исо юзбошининг бу гапини эшитиб, ҳайратланди. У орқасидан эргашиб
келаётганларга деди:
— Сизларга чинини айтайин: Мен Исроил халқи орасида бундай кучли имонга
эга бўлган биронта одамни учратмадим. 11 Сизларга шуни айтаман: кўп одамлар
шарқу ғарбдан келиб, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб билан бирга Осмон Шоҳлигида
зиёфатга ўтирадилар. 12 Осмон Шоҳлигининг меросхўрлари* эса ташқаридаги
зулматга қувиб чиқарилади. Улар у ерда қаттиқ пушаймон бўлиб, фиғон
чекадилар.
13 Кейин Исо юзбошига деди:
— Боринг, сиз ишонганингиздай бўлсин.
Юзбошининг хизматкори ўша заҳоти соғайиб кетди.

Исо кўп одамларга шифо беради

14 Исо Бутруснинг уйига келганда, унинг қайнанаси иситмалаб, тўшакда
ётганини кўрди. 15 Исо унинг қўлига тегиши билан иситмаси тушди. Аёл туриб,
Унга хизмат қилди.
16 Кеч кирганда* Исонинг олдига жин чалган кўплаб одамларни олиб келишди.
У сўз билан жинларни қувиб чиқарди, хаста одамларнинг ҳаммасига шифо берди.
17 Шу тариқа Ишаё пайғамбарнинг қуйидаги айтган сўзи бажо бўлди:

“Дардларимизни У Ўзига олди,
Оғриқларимиздан бизни фориғ қилди.”*

Исога эргашиш шартлари

18 Исо атрофида бир талай оломонни кўриб, шогирдларига кўлнинг нариги
томонига* ўтишни буюрди. 19 Шу пайт Исонинг олдига Таврот тафсирчиси келиб
деди:
— Устоз, қаерга борсангиз ҳам, мен ортингиздан бораман.
20 Исо унга шундай деди:
— Тулкиларнинг уялари бор, қушларнинг инлари бор. Инсон Ўғлининг* эса
бош қўядиган жойи йўқ.
21 Шогирд бўлган бошқа бир одам эса Исога:
— Ҳазрат, ижозат беринг, аввал бориб отамни дафн қилиб келай, — деди.
22 Исо эса Унга деди:
— Сен ортимдан юр. Марҳумларни руҳан ўлик бўлганлар* дафн қилсинлар.

Исо бўронни тинчитади

23 Исо қайиққа тушди, шогирдлари ҳам Унга эргашиб, қайиққа тушдилар. 24 Шу
орада кўлда бўрон кўтарилди, тўлқинлар қайиқни сувга тўлдира бошлади. Исо

эса ухлаётган эди. 25 Шунда шогирдлари Исонинг олдига бориб:
— Ҳазрат, бизни қутқаринг! Ҳалок бўляпмиз! — деб Исони уйғотдилар. 26 Исо уларга деди:
— Нега қўрқяпсизлар, эй имони сустлар?
Сўнг туриб, шамолга ва тўлқинларга дўқ урди. Шу ондаёқ чуқур сукунат чўкди. 27 Қайиқдагилар ҳайратланиб, бир–бирига:
— Бу ким бўлди экан–а? Ҳатто шамол ва тўлқинлар Унга бўйсунади–я! — дейишди.

Жинга чалинган икки одамга Исо шифо беради

28 Исо кўлнинг нариги қирғоғига, Гадара* шаҳрининг яқинига етиб борди. Шунда жинга чалинган икки одам қабрлар орасидан югуриб келиб, Исонинг қаршисидан чиқишди. Улар шунчалик ваҳший эдиларки, бironта одам у ердан ўта олмасди. 29 Улар шундай деб бақиришди:
— Эй Худонинг Ўғли!* Бизни тинч қўй! Сен бизга вақтидан олдин азоб бергани бу ерга келдингми?
30 Улардан нарироқда катта бир чўчқа подаси ўтлаб юрган эди. 31 Жинлар Исога ёлвориб:
— Агар бизларни қувиб чиқарадиган бўлсанг, унда чўчқа подасига юборгин, — дейишди. 32 Исо уларга:
— Боринглар! — дейиши биланоқ, жинлар одамлар ичидан чиқиб, чўчқаларга кириб олишди. Шу онда бутун чўчқа подаси тик қияликдан кўлга ёпирилиб, сувда нобуд бўлди. 33 Чўчқа боқувчилар эса қочиб шаҳарга бордилар. Жинга чалинганлар билан бўлиб ўтган ҳодисани ҳаммага гапириб бердилар. 34 Шунда бутун шаҳар аҳолиси Исонинг олдига борди. Уни кўргач, ҳудудимиздан чиқиб кетинг, деб ўтиниб сўрадилар.

9–БОБ

Исо шолни соғайтиради

1 Исо қайиққа тушиб, кўлнинг нариги томонидаги Кафарнаҳум шаҳрига сузиб борди. У ўша пайтда Кафарнаҳумда яшарди. 2 Исо шаҳарга кириши биланоқ бир неча киши Унинг олдига тўшакда ётган бир шол одамни кўтариб келдилар. Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга:
— Дадил бўл, ўғлим, гуноҳларинг кечирилди, — деди. 3 Шунда Таврот тафсирчиларидан баъзилари ўзларича: “Бу Одам куфрлик қиляпти–ку!” дейишди. 4 Уларнинг бу ўй–фикрларини билган Исо деди:
— Нега сизлар бундай ёмон нарсаларни ўйлайсизлар? 5 Қайси бири осонроқ? “Гуноҳларинг кечирилди!” деб айтишми, ёки: “Ўрнингдан туриб юр!” деб айтишми? 6 Инсон Ўғлига ер юзида гуноҳларни кечириш ҳокимияти берилган. Ҳозир шуни билиб оласизлар.
Исо шундай деди–ю, шолга:
— Ўрнингдан тур! Тўшагингни олиб, уйингга бор! — деб буюрди. 7 Шол ўрнидан туриб, уйига кетди. 8 Оломон бу воқеани кўриб, қўрқиб кетди*. Улар инсон зотига бундай ҳокимият берган Худони улуғладилар.

Исо Маттони чақиради

9 Исо йўлда давом этаркан, солиқ йиғадиган жойда ўтирган Маттони кўриб қолди. Исо унга:
— Ортимдан юр! — деди. Матто ўрнидан туриб, Исога эргашди.

10 Бир оздан кейин Исо Маттонинг уйида меҳмон бўлди. Кўп солиқчилар* ва
гуноҳкорлар келиб, Исо ва Унинг шогирдлари билан бирга дастурхон атрофига
ўтирдилар. 11 Фарзийлар буни кўриб, Исонинг шогирдларидан:
— Нега Устозингиз солиқчилару гуноҳкорлар билан бирга еб–ичиб ўтирибди?
— деб сўрадилар. 12 Исо бу гапни эшитиб, уларга шундай жавоб берди:
— Соғлар эмас, хасталар табибга муҳтождир. 13 Боринглар–да, Тавротдаги:
“Мен қурбонликни эмас, раҳм–шафқатни истайман”* деган сўзларнинг
маъносини ўрганиб келинглар. Ахир, Мен солиҳларни эмас, гуноҳкорларни
тавбага чақиргани келганман.

Рўза тутиш ҳақида савол

14 Бир куни Яҳёнинг шогирдлари Исонинг олдига келиб, шундай савол
бердилар:
— Бизлар ва фарзийлар кўп рўза тутамиз, нега Сизнинг шогирдларингиз рўза
тутмайдилар?
15 Исо уларга деди:
— Куёв даврада бўлганда тўйдаги меҳмонлар қайғурадими? Бироқ улар
куёвдан жудо бўладиган кунлар келади, ана ўшанда рўза тутадилар. 16 Ҳеч ким
эски кийимга янги матодан ямоқ солмайди. Чунки янги ямоқ эски кийимни
баттар йиртиб юборади. 17 Шунингдек, янги шаробни ҳам эски мешга
қуймайдилар. Чунки меш ёрилиб кетади*, шароб ҳам тўкилади, меш ҳам нобуд
бўлади. Аксинча, янги шаробни янги мешга қуядилар, шунда униси ҳам, буниси
ҳам сақланиб қолади.

Тирилган қиз, соғайган аёл

18 Исо уларга бу сўзларни айтиб турганда, бир синагога бошлиғи келиб қолди.
У Исонинг олдида тиз чўкиб, шундай деб ёлворди:
— Қизим ҳозиргина вафот этди. Юринг, қизимга қўлингизни теккизинг, у
тирилиб кетади.
19 Исо ўрнидан туриб, шогирдлари билан ўша одамнинг орқасидан борди. 20 Шу
пайт ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл Исонинг
орқасидан келиб, Унинг кийими этагига қўл теккизди. 21 У ўзича: “Агар кийимига
бир тегиб олсам, соғайиб кетаман”, деб ўйлаган эди.
22 Исо орқасига ўгирилди. Аёлни кўриб, деди:
— Дадил бўл, қизим, ишончинг сени соғайтирди.
Аёл шу заҳоти дардидан халос бўлди.
23 Исо синагога бошлиғининг уйига етиб борганда, най чалувчиларни ва
дод–фарёд қилаётган оломонни* кўрди. 24 Исо:
— Ҳаммаларингиз чиқинглар! — деб буюрди. — Қизча ўлмаган, у ухлаб
ётибди.
Одамлар Исонинг устидан кулишди. 25 Оломон ташқарига чиқарилгандан сўнг
Исо ичкарига кириб, қизчанинг қўлидан ушлади. Қизча ўрнидан туриб кетди.
26 Бу хабар бутун атрофга ёйилди.

Исо иккита кўр одамга шифо беради

27 Исо у ердан жўнаб кетаётганда, икки кўр Унинг орқасидан эргашганча дод
солиб:
— Эй Довуд Ўғли* Исо, бизларга раҳм қилинг! — деб фарёд қилишарди. 28 Исо
уйга кирганда, кўрлар Унинг ёнига келишди. Исо улардан сўради:
— Сизларга шифо бера олишимга ишонасизларми?
— Ҳа, Ҳазрат! — деб жавоб беришди улар. 29 Шунда Исо уларнинг кўзларига

қўлини теккизиб:
— Сизларнинг ишончингизга яраша бўлсин, — деди. 30 Уларнинг кўзлари очилиб кетди. Исо уларга:
— Буни ҳеч ким билмасин! — деб қатъий огоҳлантирди. 31 Аммо улар ўша ердан чиқибоқ, бутун атрофга Исо ҳақида овоза қилдилар.

Исо соқов одамга шифо беради

32 Улар кетгандан кейин, Исонинг олдига жин чалган бир соқовни олиб келишди. 33 Исо жинни қувиб чиқаргандан кейин, соқов тилга кирди, халқ эса ҳайратда қолиб:
— Исроил халқи орасида бундай ҳодиса ҳеч қачон бўлмаган, — деди. 34 Аммо фарзийлар шундай дердилар:
— У инс–жинслар ҳукмдорининг* кучи билан жинларни қувиб чиқаряпти.

Ҳосил мўл, ишчилар оз

35 Исо ҳамма шаҳару қишлоқларга бориб, синагогаларда таълим берарди, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни эълон қилиб, одамларнинг турли хасталигу дардларига шифо берарди. 36 Исо оломонни кўриб, уларга ачиниб кетди, чунки улар чўпонсиз қўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар.
37 Шунда Исо шогирдларига деди:
— Ҳосил мўл, аммо ишчилар оз. 38 Шунинг учун ҳосил Эгасидан: “Ҳосилингни йиғиб олишга яна ишчилар юбор”, деб сўранглар.

10–БОБ

Исо ўн икки ҳаворийни хизматга юборади

1 Исо Ўзининг ўн икки ҳаворийсини ёнига чақириб, уларга ёвуз руҳларни қувиб чиқариш ва ҳар қандай дарду хасталикларни соғайтириш қудратини берди.
2 Бу ўн икки ҳаворийнинг исмлари қуйидагичадир: биринчиси Бутрус деб аталган Шимўн, унинг укаси Эндрус, Забадиёнинг ўғиллари Ёқуб ва Юҳанно, 3 Филип, Бартоломей, Тўма, солиқчи* Матто, Халфей ўғли Ёқуб, Таддеюс*, 4 ватанпарвар* Шимўн ва Исога хоинлик қилган Яҳудо Ишқариёт.
5 Исо ўн икки ҳаворийни жўнатаётиб, уларга қуйидагича кўрсатмалар берди: “Ғайрияҳудийлар яшайдиган жойларга оёқ босманглар, Самарияликларнинг* шаҳарларига кирманглар. 6 Аксинча, адашган қўйларга ўхшаган Исроил халқи олдига боринглар. 7 Борганларингизда: «Осмон Шоҳлиги яқинлашди», деб эълон қилинглар. 8 Хасталарни соғайтиринглар, ўликларни тирилтиринглар, тери касаллигига* чалинганларни покланглар, жинларни қувиб чиқаринглар. Текин олдингизлар, текин беринглар. 9 Белбоғларингизга олтин, кумуш, ҳатто мис чақа ҳам қистириб олманглар. 10 Йўлга тўрва ҳам, қўшимча кийим ҳам, чориқ ҳам, ҳасса ҳам олманглар. Чунки меҳнаткаш ўзининг нон–насибасига муносибдир.
11 Қайси шаҳар ёки қишлоққа кирсангиз, у ерда ўзингизга муносиб одамни топиб, кетгунингизча ўша одамнинг уйида туринглар. 12 Уйга кирганингизда: «Хонадонингизда тинчлик–омонлик бўлсин», деб айтинглар. 13 Агар у муносиб хонадон бўлса, сиз тилаган тинчлик ўша хонадонда қолади. Агарда номуносиб бўлса, тилаган тинчлигингиз ўзингизга қайтиб келади. 14 Агар ким сизни қабул қилмаса ва сўзларингизга қулоқ солмаса, ўша уйдан ёки шаҳардан чиқиб кетаётганингизда оёқларингиздаги чангни қоқиб кетинглар*. 15 Сизга чинини айтаман: қиёмат кунида ўша шаҳарнинг ҳоли Садўм ва Ғамўра шаҳарларининг* ҳолидан ҳам баттар бўлади.

Келажакдаги машаққатлар

16 Мен сизларни бўрилар орасига қўйлардай юборяпман. Сизлар илондай
зийрак, каптардай оқ кўнгил бўлинглар. 17 Инсонлардан эҳтиёт бўлинглар. Чунки
улар сизларни маҳкамаларга топшириб, синагогаларда калтаклайдилар. 18 Мен
туфайли сизларни ҳокимлар ва шоҳлар ҳузурига олиб борадилар, сизлар эса
уларга ва ғайрияҳудийларга Мен ҳақимдаги Хушхабарни айтасизлар. 19 Сизларни
маҳкамага олиб боришганда: «Қандай гапирамиз, нима айтамиз», деб хавотир
олманглар. Нима айтишингиз ўша вақтда сизларга билдирилади. 20 Ўшанда
сизлар эмас, балки Отангиз Худонинг Руҳи сизлар орқали гапиради.
21 Ака укасини, ота боласини ўлимга топширади. Болалар ўз ота–оналарига
қарши чиқиб, уларни ўлдиртирадилар. 22 Менинг номим туфайли ҳамма
сизлардан нафратланади. Лекин охиригача бардош берган нажот топади. 23 Агар
сизларни бир шаҳарда қувғин қилсалар, бошқасига қочиб боринглар. Сизларга
чинини айтайин: сизлар Исроилнинг шаҳарларини айланиб чиқишга
улгурмасингиздан, Инсон Ўғли келади.
24 Шогирд устозидан устун эмас, қул ҳам ўзининг хўжайинидан устун эмас.
25 Шогирд устозидай, қул хўжайинидай бўлса кифоя. Агар уй эгасини Баалзабул,
яъни инс–жинслар ҳукмдори* деб атаган бўлишса, уй аҳлини ундан баттар ном
билан аташади!

Қўрқиш ва қўрқмаслик ҳақида

26 Шундай бўлса–да, одамлардан қўрқманглар! Ахир, ҳар қандай яширин нарса
маълум бўлади, ҳар қандай сир очилади. 27 Сизга қоронғида гапираётганларимни
ёруғда айтинглар. Қулоғингизга шивирлаб айтганларимни уйларнинг томи
устидан бақириб, эълон қилинглар. 28 Танани ўлдириб, жонни ўлдира
олмайдиганлардан қўрқманглар. Худодан қўрқинглар! Чунки У жонни ҳам,
танани ҳам дўзахда ҳалок этишга қодир. 29 Иккита чумчуқ бир тангага* сотилади,
шундай эмасми? Бироқ буларнинг биронтаси ҳам осмондаги Отангизнинг
хоҳишисиз ерга тушмайди. 30 Сизларнинг эса ҳатто бошингиздаги ҳар бир тола
сочингиз саналган. 31 Шунинг учун қўрқманглар, сизлар кўплаб чумчуқлардан
қадрлироқсизлар.

Исога лойиқ бўлиш ҳақида

32 Ким Мени инсонлар олдида тан олса, Мен ҳам осмондаги Отамнинг олдида
уни тан оламан. 33 Аммо ким инсонлар олдида Мени рад этса, Мен ҳам осмондаги
Отамнинг олдида уни рад этаман.
34 Мени ер юзига тинчлик олиб келган, деб ўйламанглар. Мен тинчлик эмас,
қилич олиб келганман. 35 Ўғилни отасидан, қизни онасидан, келинни
қайнанасидан ажратиш учун келганман. 36 Инсоннинг душманлари ўз
уйидагилари бўлади*. 37 Кимки отасини ёки онасини Мендан ортиқ севса, Менга
лойиқ эмас. Кимки ўғлини ёки қизини Мендан ортиқ севса, Менга лойиқ эмас.
38 Кимки ўз хочини олиб*, ортимдан юрмаса, Менга лойиқ эмас. 39 Ўз жонини
аямоқчи бўлган уни йўқотади. Мен учун жонини берган эса, уни асраб қолади.
40 Сизни қабул қилган одам Мени қабул қилган бўлади. Мени қабул қилган эса
Мени Юборганни қабул қилган бўлади. 41 Кимки пайғамбарни пайғамбар бўлгани
учун қабул қилса, пайғамбарга муносиб мукофотни олади. Кимки солиҳ одамни
солиҳ бўлгани учун қабул қилса, солиҳга муносиб мукофотни олади. 42 Агар сиз
шогирдларимнинг энг кичигига у Менинг шогирдим бўлгани учун бир пиёла
совуқ сув берсангиз, албатта мукофотингизни оласиз, деб сизга чинини айтаман.”

11–БОБ

Исо Масиҳ ва Яҳё чўмдирувчи

1 Исо ўн икки шогирдига кўрсатмаларни бериб бўлгандан кейин, яқин
атрофдаги шаҳарларда таълим бериш ва ваъз айтиш учун кетди. 2 Яҳё бу пайтда
зиндонда эди*, у Исонинг қилаётган ишларини эшитиб, шогирдларини* Исонинг
олдига 3 шундай савол билан юборди: “Келадиган Зот Сизмисиз, ёки биз
бошқасини кутайликми?”
4 Исо Яҳёнинг шогирдларига шундай жавоб берди:
— Боринглар, кўриб эшитаётганларингизни Яҳёга айтинглар: 5 кўрлар
кўрмоқда, чўлоқлар юрмоқда, тери касаллигига* чалинганлар тузалмоқда, карлар
эшитмоқда, ўликлар тирилмоқда, йўқсиллар Хушхабарни эшитмоқда. 6 Мендан юз
ўгирмаганлар нақадар бахтлидир!
7 Яҳёнинг шогирдлари кетаётганларида, Исо оломонга Яҳё ҳақида гапира
бошлади: “Саҳрога нимани кўргани бордингизлар? Шамолда ҳилпираб турган
қамишними? 8 Хўш, нимани кўргани бордингизлар? Башанг кийинган одамними?
Башанг кийинганлар шоҳ саройида бўлади–ку! 9 Ундай бўлса, нимани кўргани
бордингизлар? Пайғамбарними? Ҳа, сизларга шуни айтай: сизлар пайғамбардан
ҳам улуғини кўрдингизлар! 10 У ҳақда шундай ёзилган:

> «Мана, Сендан олдин Мен Ўз элчимни юборяпман,
> У Сен учун йўлни ҳозирлайди.»*

11 Сизларга чинини айтай: бутун инсон зоти орасида Яҳё чўмдирувчидан улуғи
йўқ. Аммо Осмон Шоҳлигида энг кичик ҳисобланган одам ҳам ундан улуғроқдир.
12 Яҳё чўмдирувчи давридан шу кунгача одамлар Осмон Шоҳлигига шафқатсиз
ҳужум қилмоқдалар. Зўравонлар Осмон Шоҳлигини қўлга киритишга ҳаракат
қилмоқдалар. 13 Яҳё чўмдирувчидан олдин ўтган ҳамма пайғамбарларнинг
битикларида ва Таврот китобида* Осмон Шоҳлиги ҳақида башорат қилинган.
14 Агар бу башоратларга ишонишни истасангизлар, Яҳё — келиши башорат
қилинган Илёсдир*. 15 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!
16 Бу наслни кимга қиёсласам бўлади? Улар болаларга ўхшайдилар, майдонда
ўтириб олиб, шундай дея бир–бирларига бақирадилар:

> 17 «Сизлар учун най чалдик, аммо рақсга тушмадингиз,
> Биз оҳ–воҳ қилдик, аммо сизлар қайғурмадингиз.»

18 Яҳё келганда, у на еди, на ичди, шунинг учун ҳамма: «Уни жин урибди»,
дейдилар. 19 Инсон Ўғли келганда эса ҳам еди, ҳам ичди. Аммо Уни: «Ебтўймас,
шаробхўр, солиқчилар* ва гуноҳкорларнинг дўсти», дейдилар. Лекин билиб
қўйинглар: донолик тўғри эканлиги ўз натижасидан аён*.”

Гуноҳкор шаҳарларнинг ҳолига вой

20 Исо баъзи шаҳарларда кўп мўъжизалар кўрсатганди, аммо халқ ўз гуноҳлари
учун тавба қилмади. Исо ўша шаҳарлар аҳолисига таъна қилди: 21 “Сенинг
ҳолингга вой, эй Хоразин! Сенинг ҳолингга вой, эй Байтсайда! Агар сизларда
қилинган мўъжизалар Тир билан Сидон шаҳарларида* қилинганда эди, улар
аллақачон қаноргa ўраниб, бошларига кул сочиб*, тавба қилган бўлардилар.
22 Бироқ сизларга айтайин: қиёмат кунида сизнинг ҳолингиз Тир ва Сидоннинг
ҳолидан баттар бўлади. 23 Эй Кафарнаҳум! Худо сени кўкларга кўтаради деб
ўйлайсанми?! Йўқ, У сени тубсиз чуқурликка улоқтиради! Агар сенда юз берган

мўъжизалар Садўмда* бўлганда эди, у шаҳар шу кунгача сақланиб қолган бўлар эди. 24 Бироқ сенга айтайин: қиёмат кунида сенинг ҳолинг Садўм шаҳрининг ҳолидан баттар бўлади.”

Ҳолдан тойганларга ором ваъдаси

25 Ўша вақтда Исо яна шундай деди: “Эй Ота, еру осмоннинг Эгаси! Сен бу ишларни донолару идроклилардан яшириб, гўдакларга маълум этганинг учун Сенга шукурлар айтаман. 26 Ҳа, Ота, бу Сенинг эзгу хоҳишинг эди.

27 Отам ҳамма нарсани Менинг ихтиёримга топширган. Ўғилни Отадан бошқа ҳеч ким билмайди. Отани ҳам Ўғилдан бошқа ва Ўғил аён қилишни истаган одамдан бошқа ҳеч ким билмайди.

28 Эй ҳолдан тойганлар, оғир юк остида қолганлар, ҳаммаларингиз Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман. 29 Менинг бўйинтуруғимни* тақиб олинглар, Мендан ўрганинглар. Чунки Мен юмшоқ кўнгил ва камтаринман. Шунда сизларнинг жонларингиз ором топади. 30 Ахир, Менинг бўйинтуруғим қулай, юким енгилдир.”

12–БОБ

Шаббат кунига риоя қилиш ҳақида

1 Орадан кўп ўтмай Исо Шаббат куни буғдойзордан ўтиб бораётган эди. Оч қолган шогирдлари бошоқлардан узиб, донларини еярдилар*. 2 Фарзийлар буни кўриб, Исога:

— Қара, шогирдларинг Шаббат куни қонунга хилоф иш* қиляптилар! — дейишди.

3 Исо уларга деди:

— Довуд ҳамроҳлари билан оч қолганда нималар қилганини* наҳотки сизлар ҳеч ўқимаган бўлсангизлар?! 4 У Худонинг уйига кириб, муқаддас нонларни* еган. Қонунга мувофиқ эса бундай нонларни фақат руҳонийлар ейишга ҳақли эдилар. Довудга ва унинг ҳамроҳларига бундай нонларни ейиш тақиқланган эди! 5 Ёки Шаббат кунида Маъбаддаги руҳонийлар Шаббат қонунини бузсалар ҳам, айбдор бўлмасликларини Тавротда ўқимаганмисизлар?* 6 Сизларга шуни айтай: бу ерда Маъбаддан ҳам улуғ бир Зот турибди. 7 Агар сизлар: “Мен қурбонликни эмас, раҳм–шафқатни истайман”* деган сўзларнинг маъносини тушунганингизда эди, айбсиз одамларни ҳукм қилмаган бўлар эдингизлар. 8 Зотан, Инсон Ўғли Шаббат кунининг ҳам Ҳокимидир.

9 Исо у ердан кетиб, синагогага борди. 10 У ерда қўли шол бир одам бор эди. Исони айбламоқчи бўлган баъзи одамлар Унга шундай савол бердилар:

— Қонунга кўра, Шаббат куни хасталарга шифо бериш мумкинми?

11 Исо уларга шундай жавоб берди:

— Агар бир дона қўйингиз бўлса–ю, ўша қўйингиз Шаббат куни чуқурга тушиб кетса, уни чиқариб олмасмидингиз?! 12 Одам эса қўйдан анча қадрлироқ–ку! Шунга кўра, Шаббат куни яхшилик қилиш қонунга мувофиқдир.

13 Қўли шол одамга Исо:

— Қўлингни узат! — деди. У қўлини узатиши биланоқ, қўли нариги қўлидай соппа–соғ бўлиб қолди. 14 Фарзийлар эса ташқарига чиқиб, Исони ҳалок қилиш учун тил бириктиришди.

Исо — Эгамиз танлаган Қул

Исо фарзийларнинг бу ниятини билиб, у ердан кетди. 15 Бир талай оломон

Исога эргашди. У хасталарнинг ҳаммасига шифо бериб, [16] “Менинг кимлигимни
айтманглар!” деб уларга буюрарди. [17] Шу тариқа Ишаё пайғамбарнинг айтган
қуйидаги сўзлари бажо бўлди:

[18] “Мана Менинг Қулим,
Ўзим Уни танлаб олганман.
У кўнглимни мамнун этган Суюклигимдир.
Мен Унга Ўз Руҳимни бераман,
У адолатни элатларга эълон қилади.
[19] Жанжаллашмайди, бақирмайди,
Кўчаларда ҳеч ким Унинг овозини эшитмайди.
[20] У эзилган қамишни синдирмайди,
Тутаётган пиликни ўчирмайди,
Қатъият билан адолат ўрнатади.
[21] Элатлар Унинг исмига умид боғлайди.”*

Исо ва шайтон

[22] Шундан кейин Исонинг олдига жин чалган бир одамни олиб келишди. У ҳам
кўр, ҳам соқов эди. Исо унга шифо бергач, у гапирадиган ва кўрадиган бўлди.
[23] Бутун халқ ҳайратда қолиб: “Бу Довуднинг Ўғли* эмасмикан?!” дерди. [24] Бу
воқеани эшитган фарзийлар эса шундай дедилар: “У инс–жинслар ҳукмдори
Баалзабулнинг* кучи билан жинларни қувиб чиқаряпти.”

[25] Исо уларнинг нима ҳақида ўйлаётганини билиб турарди. У шундай деди:
“Низо туфайли ўз ичидан бўлиниб кетган ҳар бир шоҳлик хароб бўлади, низо
туфайли бўлинган шаҳар ҳам, хонадон ҳам барбод бўлади. [26] Агар шайтон
шайтонни қувиб чиқарса, унинг шоҳлиги ўзаро бўлинган бўлади. Бундай шоҳлик
қандай тура олади?! [27] Агар Мен жинларни Баалзабулнинг кучи билан қувиб
чиқараётган бўлсам, у ҳолда ўз шерикларингиз кимнинг кучи билан жинларни
қувиб чиқаришяпти? Шу сабабдан ҳам улар сизларни ҳукм қилади. [28] Агар Мен
жинларни Худонинг Руҳи билан қуваётган бўлсам, демак, Унинг Шоҳлиги
сизларга ҳам келган.

[29] Ким кучли одамнинг уйига бостириб кириб, унинг мол–мулкини
талон–тарож қила олади? Аввал у уйнинг эгасини боғлаб қўйиши керак,
кейингина уйини талон–тарож қила олади. [30] Ким Мен томонда бўлмаса, Менга
қаршидир. Ким Мен билан бирга йиғмаса, сочади.

[31] Шунинг учун сизларга айтаман: инсонларнинг ҳар қандай гуноҳи ва
куфрлиги кечирилади. Лекин Муқаддас Руҳга куфрлик қилганлар*
кечирилмайди. [32] Ким Инсон Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким
Муқаддас Руҳга қарши сўз айтса, икки дунёда ҳам кечирилмайди.

[33] Яхши дарахт яхши мева беради, ёмон дарахт эса ёмон мева беради. Ҳар бир
дарахтнинг қандайлигини мевасидан билса бўлади. [34] Вой илонлар зоти! Сизлар
ёвуз бўла туриб, яхши нарса гапира олармидингиз?! Ахир, одамнинг дили нимага
тўлиб–тошса, ўша тилига чиқади! [35] Яхши одам юрагининг эзгулик хазинасидан
яхшилик чиқаради, ёмон одам юрагининг ёмонлик хазинасидан ёмонлик
чиқаради. [36] Яна шуни айтиб қўяй: сизлар айтадиган ҳар бир бемаъни сўзингиз
учун қиёмат кунида ҳисоб берасизлар. [37] Сизлар ўз сўзларингиз асосида ё
оқланасизлар, ёки айбланасизлар.”

Юнус пайғамбарнинг аломати

[38] Шунда Таврот тафсирчилари ва фарзийлардан баъзилари Исога: “Устоз,
бизга бир аломат кўрсатишингизни хоҳлар эдик”, дедилар.

39 Исо уларга жавобан деди: “Бу қабиҳ ва бевафо насл аломат сўраяпти, аммо
уларга Юнус пайғамбарнинг аломатидан* бошқа аломат берилмайди. 40 Юнус уч
кечаю кундуз наҳанг балиқнинг қорнида бўлганидай, Инсон Ўғли ҳам уч кечаю
кундуз ер бағрида бўлади. 41 Найнаво* аҳолиси қиёмат кунида ўрнидан туриб, бу
наслни маҳкум этади. Чунки Найнаволиклар Юнуснинг ваъзидан кейин тавба
қилганлар. Бу ерда эса Юнусдан ҳам буюкроқ бир Зот турибди! 42 Жануб
маликаси* қиёмат кунида ўрнидан туриб, бу наслнинг одамларини маҳкум этади.
Чунки Сулаймоннинг доно таълимотини тинглагани малика дунёнинг у четидан
келган эди. Бу ерда эса Сулаймондан ҳам буюкроқ бир Зот турибди!
43 Ёвуз руҳ инсондан чиққандан кейин, ҳузур–ҳаловат излаб, сувсиз ерларни
кезади, лекин топмайди. 44 Сўнг: «Чиққан уйимга қайтиб бораман», дейди. Уйига
келганда, уйни кимсасиз, супурилган ва йиғиштирилган ҳолда кўради. 45 Шунда
бориб, ўзидан ҳам ёвузроқ бошқа етти руҳни эргаштириб келади ва улар билан
уйга кириб, жойлашиб олади. Охир–оқибат ўша одамнинг аҳволи олдингидан ҳам
баттар бўлади. Бу ёвуз насл ҳам худди ўша кўйга тушади.”

Исонинг онаси ва укалари

46 Исо оломонга гапираётганда, онаси билан укалари Уни ташқарида кутиб
турган эдилар. Улар Исо билан гаплашмоқчи эдилар. 47 Кимдир Исога деди:
— Онангиз билан укаларингиз ташқарида туришибди, улар Сиз билан
гаплашмоқчи.
48 Исо эса бу гапларни айтган одамга шундай жавоб берди:
— Менинг онам ким? Укаларим ким?
49 Сўнг қўли билан шогирдларини кўрсатиб, деди:
— Мана, Менинг онам ва укаларим! 50 Осмондаги Отамнинг иродасини бажо
келтирганлар Менинг укам, синглим ва онам бўлади.

13–БОБ

Уруғ сепувчи ҳақида масал

1 Ўша куни Исо уйдан чиқиб, кўл бўйига бориб ўтирди. 2 Унинг атрофида шу
қадар кўп оломон тўпландики, У қайиққа тушиб, ўтиришга мажбур бўлди. Оломон
эса кўл қирғоғида турарди. 3 Исо масал орқали халққа кўп нарсаларни ўргатди:
“Қулоқ солинглар! Бир деҳқон уруғ сепгани чиқибди. 4 У уруғ сепаётганда баъзи
уруғлар сўқмоқ йўл устига тушибди. Қушлар учиб келиб, уруғларни чўқиб
кетибди. 5 Баъзи уруғлар тупроғи кам тошлоққа тушибди. Тупроқ кам бўлгани
учун уруғлар тез кўкариб чиқибди. 6 Бироқ қуёш чиққач, қовжираб, илдизи
бўлмагани учун сўлиб қолибди. 7 Бошқа уруғлар тиканлар орасига тушибди.
Тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди. 8 Яна бошқа уруғлар эса яхши тупроққа
тушибди. Баъзилари юз, баъзилари олтмиш, баъзилари эса ўттиз баробар кўп
ҳосил берибди. 9 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”

Масалларнинг мақсади

10 Шундан кейин шогирдлар келиб, Исодан сўрадилар:
— Нега одамларга масаллар билан гапиряпсиз?
11 У шундай жавоб берди: “Осмон Шоҳлигининг сирларини билиш уларга эмас,
сизларга берилган. 12 Зеро, кимда бор бўлса, унга яна берилади ва унда
мўл–кўлчилик бўлади. Аммо кимда йўқ бўлса, бори ҳам тортиб олинади.
13 Одамларга масаллар билан гапираётганимнинг сабаби шуки, улар қараб туриб
кўрмайдилар, қулоқ солиб туриб, эшитмайдилар ва англамайдилар. 14 Ишаёнинг

башорати уларда бажо бўлган:

«Сизлар тинглаб турасиз–у, лекин ҳеч тушунмайсиз,
Қараб турасиз–у, аммо ҳеч англаб етмайсиз.
15 Зеро, бу халқнинг ақли ўтмас бўлиб қолди,
Қулоқлари гаранг бўлди,
Кўзларини юмиб олишди.
Акс ҳолда, кўзлари кўрган бўларди,
Акс ҳолда, қулоқлари эшитган бўларди,
Ақллари англаган бўларди,
Яна Менга қайтган бўлишарди,
Мен уларга шифо берган бўлардим.»*

16 Сизлар эса ниҳоятда бахтлисизлар! Ахир, сизларнинг кўзларингиз кўради, қулоқларингиз эшитади. 17 Сизларга чинини айтай: қанчадан–қанча пайғамбарлар, қанчадан–қанча солиҳ одамлар сиз кўрганларни кўришни истаганлар, аммо кўрмаганлар. Сизлар эшитганларингизни эшитишни улар истаганлар, аммо эшитмаганлар.

Уруғ сепувчи ҳақидаги масалнинг маъноси

18 Уруғ сепувчи ҳақидаги масалнинг маъносини англаб олинглар. 19 Осмон Шоҳлиги тўғрисидаги каломни эшитган, аммо тушуниб олмаган одамга ёвуз шайтон келиб, унинг юрагига экилган каломни ўғирлаб кетади. Сўқмоқ йўл устига тушган уруғлар ана шуларга ишорадир. 20 Тошлоқ ерга сепилган уруғлар эса шундай одамларни билдиради: улар каломни эшитганда, уни дарров севинч билан қабул қиладилар. 21 Лекин уларнинг илдизи бўлмагани учун узоқ вақтга чидамайдилар. Калом туфайли қийинчилик ёки қувғинга дучор бўлишса, дарров чекинадилар. 22 Тиканлар орасига сепилган уруғлар шундай одамларни билдирадики, улар Худонинг каломини эшитадилар, лекин дунёнинг ташвишлари ва бойликка ўчлик каломни бўғиб қўяди, калом эса самарасиз қолади. 23 Яхши тупроққа сепилган уруғлар эса шундай одамларни билдиради: улар каломни эшитиб, унинг маъносини тушуниб оладилар. Уларнинг баъзилари юз баробар, баъзилари олтмиш баробар ва баъзилари ўттиз баробар мўл ҳосил берадилар.”

Бегона ўт ҳақида масал

24 Исо уларга бошқа бир масал айтиб берди: “Осмон Шоҳлигини ўз даласига яхши уруғ сепган бир одамнинг вазиятига ўхшатса бўлади. 25 Ҳамма ухлаб ётганда, душман келиб, буғдойзорга бегона ўт уруғини сепиб кетибди. 26 Буғдой ўсиб, бошоқлай бошлаганда, бегона ўтлар ҳам ўсиб чиқибди. 27 Хизматкорлар келиб, хўжайинига айтибдилар:

— Хўжайин, далангизга яхши уруғ эккан эдингиз–ку! Манави бегона ўтлар қаёқдан пайдо бўлди экан?

28 — Бу душманнинг иши, — деб жавоб берибди хўжайин. Хизматкорлар хўжайинга:

— Истасангиз, биз бориб ўша ўтларни юлиб ташлаймиз.

29 — Йўқ, — дебди у, — сизлар бегона ўтларни юлаётганларингизда, буғдойни ҳам қўшиб юлиб олишингиз мумкин. 30 Майли, ўрим–йиғим пайтигача буғдой билан бирга бегона ўтлар ҳам ўсаверсин. Пайти келганда ўроқчиларга: “Аввал бегона ўтларни йиғиштириб, боғланглар–да, ёқиб юборинглар, кейин буғдойни йиғиштириб, омборхонамга жойланглар”, дейман.”

Хантал уруғи ҳақида масал

31 Исо уларга яна бошқа бир масални айтиб берди: “Осмон Шоҳлиги бир одам
ўз боғига сепган хантал уруғига* ўхшайди. 32 Хантал уруғларнинг энг майдаси
бўлса–да, ўсиб чиққанда, ҳамма кўкатлардан баланд бўлади. У шундай дарахт
бўладики, қушлар унинг шохларига уя қуради.”

Хамиртуруш ҳақида масал

33 Исо уларга бошқа бир масални ҳам айтиб берди: “Осмон Шоҳлиги
хамиртурушга ўхшайди. Аёл бир бўлак хамиртурушни бир тоғора* унга қорса ҳам,
ҳамма хамир ошади.”

34 Исо буларнинг ҳаммасини оломонга масаллар билан гапирди. Уларга ҳеч
нарса тўғрисида масалсиз гапирмасди. 35 Шундай қилиб, пайғамбарнинг қуйидаги
сўзлари бажо бўлди:

“Оғзимни масалга очаман,
Дунё яратилгандан бери сир сақланганларни
Сизга эълон қиламан.”*

Бегона ўт ҳақидаги масалнинг маъноси

36 Шундан кейин Исо оломон олдидан кетиб, уйга кирди. Шогирдлари Исонинг
олдига келиб:

— Бегона ўтлар ҳақидаги масални бизга тушунтириб беринг, — дедилар.

37 Исо шундай жавоб берди: “Яхши уруғ сепувчи Инсон Ўғлидир. 38 Дала оламдир,
яхши уруғлар — Осмон Шоҳлигининг одамлари, бегона ўтлар эса ёвуз
шайтоннинг одамларидир. 39 Бегона ўтларни сепган душман — иблис,
ўрим–йиғим — охирзамон, ўроқчилар эса фаришталардир. 40 Бегона ўтларни
йиғиштириб, оловда ёқишгандай, охирзамонда ҳам худди шундай воқеа юз
беради. 41 Инсон Ўғли Ўз фаришталарини юборади. Фаришталар Унинг
Шоҳлигидан гуноҳга ундаган ҳаммани ва барча бадкирдорларни йиғиб оладилар.
42 Уларни ловуллаб турган ўчоққа ташлайдилар. Бадкирдорлар у ерда қаттиқ
пушаймон бўлиб, фиғон чекадилар. 43 Шунда солиҳлар ўз Оталарининг
Шоҳлигида қуёш каби порлайдилар. Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!

Яширилган хазина ҳақида масал

44 Осмон Шоҳлиги далада яширилган хазинага ўхшайди. Бир одам уни топиб
олибди. Уни яна яшириб, хурсанд бўлганидан бор–йўғини сотиб, у далани харид
қилибди.

Қимматбаҳо марварид ҳақида масал

45 Осмон Шоҳлиги нодир марварид излаётган бир савдогарга ўхшайди.
46 Савдогар қимматбаҳо марваридни топганда, бор–йўғини сотиб, марваридни
харид қилибди.

Тўр ҳақида масал

47 Осмон Шоҳлиги балиқчилар денгизга ташлаган тўрга ўхшайди. Тўрга турли
хил балиқлар тутилибди. 48 Тўр тўлгач, балиқчилар уни қирғоққа тортиб
чиқаришибди ва ўтириб, яхши балиқларни саватларга солишибди, ёмонларини
эса ташлаб юборишибди. 49 Охирзамонда ҳам худди шундай бўлади: фаришталар
келиб, фосиқларни солиҳлар орасидан ажратиб олиб, 50 ловуллаган ўчоққа
ташлайдилар. Ўчоққа тушганлар қаттиқ пушаймон бўлиб, фиғон чекадилар.”

51 Исо шогирдларидан сўради:

— Буларнинг ҳаммасини тушундингизларми?

— Тушундик, — деб жавоб берди улар. 52 Исо уларга деди:
— Шундай экан, Осмон Шоҳлигига шогирд тушган ҳар бир Таврот тафсирчиси омборидан ҳам янги, ҳам эски нарсаларни олиб чиқаётган уй эгасига ўхшайди.

Исо Ўз юртида рад этилади

53 Исо бу масалларни айтиб бўлгач, у ердан кетди. 54 У она шаҳрига* келиб, синагогада одамларга таълим берди. Одамлар эса ҳайратга тушиб дедилар:
— Бу Одам шунча доноликни ва мўъжиза кўрсатиш қудратини қаердан олган экан–а? 55 Бу ўша дурадгорнинг ўғли эмасми?! Онасининг исми Марям, укалари Ёқуб, Юсуф, Шимўн ва Яҳудо–ку! 56 Унинг сингиллари ҳам орамизда яшайди! Бундай буюк ишларни У қандай қилар экан–а?
57 Одамлар Исодан қаттиқ хафа бўлдилар. Исо эса уларга деди:
— Пайғамбар она шаҳридан ва ўз уйидан бошқа ҳамма ерда иззатланади.
58 Одамларнинг ишончсизлиги туфайли, Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза кўрсатмади.

14–БОБ

Яҳё чўмдирувчининг ўлими

1 Шу орада вилоят ҳукмдори* Ҳирод* Исо тўғрисидаги хабарларни эшитиб,
2 амалдорларига деди: “Бу Яҳё чўмдирувчи эканлиги аниқ! У тирилиб келган, шунинг учун мўъжизалар кўрсатиш қудратига эга.”
3 Унинг бу гапни айтишига сабаб шу эди: бундан анча вақт олдин Ҳирод Яҳёни ҳибсга олганди. У ўз укаси Филипнинг хотини Ҳиродия дастидан Яҳёни кишанлаб, зиндонга ташлаган эди. 4 Чунки Яҳё унга: “Бу хотин билан яшашингиз қонунга зид”, деб айтар эди. 5 Ҳирод Яҳёни ўлдиришни хоҳлаган бўлса–да, халқдан қўрққан эди. Чунки одамлар Яҳёни пайғамбар деб билишарди.
6 Ҳироднинг туғилган куни бўлганда, Ҳиродиянинг қизи ўртага чиқиб рақсга тушди. Қизнинг рақси Ҳиродга шунчалик ёқдики, 7 Ҳирод унга:
— Онт ичаман, сўраган нарсангни муҳайё қиламан, — деб ваъда берди. 8 Қиз эса онасининг гапига кириб:
— Менга Яҳё чўмдирувчининг бошини лаганда келтириб беринг! — деди.
9 Шоҳ айтган гапидан афсус чекди, аммо меҳмонлари олдида қасам ичгани учун қизнинг илтимосини бажаришни буюрди. 10 У зиндонга одам юбориб, Яҳёнинг бошини олдирди. 11 Унинг бошини лаганда келтириб қизга бердилар, қиз эса онасига олиб бориб берди. 12 Яҳёнинг шогирдлари келиб, устознинг жасадини олдилар, уни дафн этдилар. Сўнг бориб, Исога хабар бердилар.

Исо 5000 кишини тўйдиради

13 Яҳё ҳақидаги хабарни эшитгандан кейин, Исо қайиққа тушиб*, ёлғиз Ўзи кимсасиз жойга сузиб кетди. Оломон эса бу ҳақда эшитиб, шаҳарлардан пиёда Унинг орқасидан эргашди. 14 Исо қайиқдан чиққанда, катта бир оломонни кўрди. Уларга ачиниб кетиб, хасталарига шифо берди.
15 Кеч кирганда, шогирдлар Исонинг олдига келиб дедилар:
— Бу жой кимсасиз экан, бунинг устига, жуда кеч бўлиб қолди. Халқни жўнатиб юборинг, токи улар атрофдаги қишлоқларга бориб, ўзларига егулик сотиб олишсин.
16 Исо уларга деди:
— Кетишларига ҳожат йўқ, сизлар уларга овқат беринглар.
17 — Бизда бор–йўғи бешта нон ва иккита балиқ бор, — деб жавоб берди

шогирдлар.
18 — Ўша нарсаларни Менга олиб келинглар, — деди Исо. 19 У одамларга
майсалар устига ўтиришни буюрди. Сўнг бешта нон билан иккита балиқни
олди–да, осмонга қараб шукрона дуосини ўқиди. У нонларни синдириб,
шогирдларига берди, шогирдлар нонларни одамларга тарқатишди. 20 Ҳамма еб
тўйди. Ортиб қолган нон бурдаларини йиғиб олишганда, тўла ўн икки сават
чиқди. 21 Аёллар ва болаларни ҳисобга олмаганда, тахминан беш мингга яқин
одам нон еган эди.

Исо сув устида юради

22 Исо вақт ўтказмай, шогирдларини қайиққа тушириб, кўлнинг нариги
томонига* кетишга мажбур қилди. Оломонни эса уйларига қайтариб жўнатиб
юборди. 23 У одамларни кеткизиб юборгандан кейин, ибодат қилиш учун бир Ўзи
тепаликка чиқди. Оқшом тушди, У ҳамон ўша ерда ёлғиз эди. 24 Қайиқ эса
қирғоқдан анча узоқлашиб қолганди. Шамол қайиққа қарши эсаётгани учун
тўлқинлар қайиққа келиб уриларди.
25 Эрта саҳарда Исо кўл устида юриб, шогирдлари ёнига келди. 26 Шогирдлар
эса кўл юзида юриб келаётган Исони кўриб, қаттиқ ваҳимага тушишди.
Қўрққанларидан:
— Бу арвоҳ–ку! — деб бақириб юборишди. 27 Лекин Исо ўша заҳоти уларга:
— Дадил бўлинглар! Қўрқманглар, бу Менман! — деди. 28 Шунда Бутрус:
— Ҳазрат, агар ҳақиқатан бу Сиз бўлсангиз, амр беринг, мен сув устида юриб
Сизнинг олдингизга борай, — деди. 29 Исо:
— Кел! — деди. Бутрус қайиқдан чиқиб, сув устида юрганича Исо томон йўл
олди. 30 Аммо шамолнинг кучли эканлигидан қўрқиб кетди. У сувга чўка бошлаб:
— Ҳазрат, мени қутқаринг! — деб бақирди. 31 Исо шу заҳоти қўлини чўзиб,
Бутрусни ушлади–да:
— Эй имони суст, нега иккиландинг?! — деди.
32 Улар қайиққа тушганларидан кейин, шамол тинди. 33 Қайиқдагилар Исога
сажда қилиб:
— Сиз ҳақиқатан ҳам Худонинг Ўғлисиз!* — дедилар.
34 Улар кўлдан сузиб ўтиб*, Генисарет* ўлкасига келдилар. 35 У ердаги одамлар
Исони танидилар ва атрофга хабар юбориб, ҳамма хасталарни Исонинг олдига
олиб келдилар. 36 Хасталар Исодан: “Ҳеч бўлмаса кийимингизнинг этагига қўл
теккизайлик”, деб илтимос қилишарди. Унга қўл теккизганларнинг ҳаммаси
шифо топишарди.

15–БОБ

Диний урф–одатлар ва Худонинг амри

1 Қуддусдан фарзийлар ва Таврот тафсирчилари Исонинг олдида келиб,
шундай дедилар:
2 — Нега Сизнинг шогирдларингиз ота–боболаримизнинг урф–одатларига
амал қилмаяптилар? Нега овқатланишдан олдин қўлларини ювмайдилар?*
3 Исо уларга жавоб бериб деди:
— Ўзларингиз–чи? Нега ўз урф–одатингизни деб, Худонинг амрини бузиб
юрибсизлар? 4 Худо: “Ота–онангизни ҳурмат қилинг. Отасини ёки онасини
хўрлаган ҳар қандай одамга ўлим жазоси берилсин”*, деб айтган. 5 Аммо сизлар
шундай таълим берасизлар: одам ўз отаси ёки онасига: “Фарзандлик бурчим —
Худога инъом қилинган, — деса, 6 — у ота–онасини ҳурмат қилмаса ҳам бўлади.”

Шу тариқа сизлар ўз таълимотингиз билан Худонинг каломини бекор қиляпсизлар. 7 Сизлар иккиюзламачисизлар! Ишаё пайғамбар сиз ҳақингизда тўғри айтган:

8 “Худо айтди:
«Бу халқ Мени тилидагина иззат қилади*,
Юраклари эса Мендан узоқдир.
9 Улар Менга сажда қиладилар,
Аммо саждалари беҳудадир.
Чунки улар инсон яратган қоидаларни
Илоҳий қонун деб ўргатадилар.»”*

Инсонни нима ҳаром қилади?

10 Кейин Исо халқни ёнига чақириб, деди:
— Менга қулоқ солиб, тушуниб олинглар! 11 Оғизга кирадиган нарса эмас, балки оғиздан чиқадиган нарса инсонни ҳаром қилади.
12 Шунда шогирдлар Исонинг олдига бориб дедилар:
— Айтган бу гапингиз фарзийларга қаттиқ ботганини билдингизми?
13 Исо шундай жавоб берди:
— Осмондаги Отам ўтқазмаган ҳар қандай ўсимлик илдизи билан суғуриб ташланади. 14 Фарзийларга эътибор бермanглар. Улар ўзлари кўр ва кўрларга йўлбошчилик қиладилар. Агар кўр одам кўрни етакласа, иккаласи ҳам чуқурга йиқилиб тушади.
15 Шунда Бутрус:
— Халққа айтган гапингизни бизга тушунтириб беринг! — деди.
16 — Шунчалик ҳам бефаҳм бўласизларми?! — деди Исо. — 17 Оғизга кирадиган ҳар бир нарса қоринга ўтиб, керакли жойдан чиқиб кетишини наҳотки тушунмасангизлар? 18 Аммо оғиздан чиқадиган нарсалар юракдан чиқади. Ана ўшалар инсонни ҳаром қилади. 19 Чунки инсон юрагидан ёмон фикрлар, қотиллик, фаҳшу зино, ўғрилик, сохта гувоҳлик ва туҳмат чиқади. 20 Ана шулар инсонни ҳаром қилади. Ювилмаган қўл билан овқат ейиш эса инсонни ҳаром қилмайди.

Ғайрияҳудий аёлнинг ишончи

21 Исо у ердан кетиб, Тир ва Сидон* ҳудудларига борди. 22 Шу ерда яшайдиган Канъон халқидан бўлган бир аёл Исонинг олдига келиб, фарёд қилди:
— Эй Ҳазрат, Довуднинг Ўғли*, менга раҳм қилинг! Қизимни жин чалган, аҳволи ёмон!
23 Исо унга бир оғиз сўз ҳам жавоб бермади. Шогирдлари Исонинг олдига келиб, илтимос қилдилар:
— Уни жўнатиб юборинг! Ахир, у кетимиздан қолмай, додлаб юрибди.
24 Исо эса шундай деди:
— Худо Мени фақат Исроил халқининг адашган қўйлари олдига юборди.
25 Аёл эса келиб, Исонинг олдига тиз чўкди–да:
— Ёрдам беринг, Ҳазрат! — деб ёлворди. 26 Исо эса:
— Болалардан нонни олиб кучукларга ташлаш яхши эмас, — деди.
27 — Тўғри, Ҳазрат, — деди аёл. — Лекин кучуклар ҳам хўжайинларининг дастурхонидан тўкилган ушоқларини ейди–ку.
28 Шунда Исо:
— Эй аёл, сенинг ишончинг буюк! — деди. — Майли, сен истаганингдай бўлсин.

Шу заҳоти аёлнинг қизи соғайиб қолди.

Исо кўп одамларга шифо беради

29 Исо у ердан чиқиб, Жалила кўли бўйлаб кетди. Сўнг тоққа чиқиб, ўтирди.
30 Исонинг олдига бир талай оломон келди. Улар ўзлари билан чўлоқ, кўр, майиб, соқов ва бошқа кўплаб хасталарни олиб келиб, Исонинг оёқлари томонига ўтқиздилар. Исо уларнинг ҳаммасига шифо берди. 31 Соқовларнинг гапирганини, майибларнинг соғайганини, чўлоқларнинг юрганини ва кўрларнинг кўзлари очилганини халқ кўриб, ҳайратда қолди. Улар Исроил халқининг Худосини олқишладилар.

Исо 4000 кишини тўйдиради

32 Исо шогирдларини ёнига чақириб деди:

— Халққа ачиняпман. Улар уч кундан бери Мен билан бирга, ейишга ҳеч нарсаси йўқ. Уларга овқат бермай жўнатиб юборишни хоҳламайман, йўлда ҳолдан тойиб қолишлари мумкин.

33 Шогирдлари Унга:

— Шу қадар катта оломонни тўйдириш учун бу кимсасиз жойда қаердан нон оламиз?! — дейишди.

34 — Қанча нонларингиз бор? — деб сўради Исо.

— Еттита нон ва озгина майда балиғимиз бор, — деди шогирдлар.

35 Шундан кейин Исо халққа ерга ўтиришни буюрди. 36 Еттита нон ва балиқларни олиб, шукрона дуосини ўқиди. Нон ва балиқларни синдириб, тарқатиш учун шогирдларига берди. Шогирдлар халққа тарқатишди. 37 Ҳамма еб тўйди. Ортиб қолган нон бурдаларини йиғишганда, тўла етти сават чиқди.
38 Болалар билан аёлларни ҳисобга олмаганда, нон еганларнинг сони тўрт мингта эди. 39 Шундан кейин Исо одамларга кетишга ижозат берди, Ўзи эса қайиққа ўтириб, Магадан* ҳудудига йўл олди.

16–БОБ

Фарзийлар ва саддуқийлар Исодан аломат сўрашади

1 Фарзий ва саддуқий мазҳабидагилар Исонинг олдига келиб, Уни синаб кўриш мақсадида:

— Бизга бир мўъжизали аломат кўрсатинг. Шунда Сизни Худо юборганини тан оламиз, — дедилар. 2 Исо уларга шундай жавоб берди:

— Қуёш ботганда, сизлар, осмон қизғиш, ҳаво яхши бўлади, дейсизлар.
3 Эрталаб эса, осмон қизил, ҳавонинг авзойи бузуқ, бугун бўрон бўлади, дейсизлар. Сизлар осмоннинг авзойига қараб, об–ҳавони аниқлай оласизлар–ку! Нега замон аломатларини талқин қила олмайсизлар?! 4 Бу қабиҳ ва бевафо насл аломат сўраяпти, аммо уларга Юнуснинг аломатидан* бошқа аломат берилмайди.

Исо уларни қолдириб кетди.

Фарзийлар ва саддуқийларнинг хамиртуруши

5 Нариги қирғоққа* етиб келган шогирдлар ўзлари билан нон олишни унутган эдилар. 6 Исо уларга деди:

— Фарзийлар билан саддуқийларнинг хамиртурушидан* эҳтиёт бўлинглар!

7 Шогирдлар ўзларича: “Биз нон олиб келмаганимиз учун У шундай деяпти”, деб муҳокама қила бошладилар. 8 Шогирдлар нимани муҳокама қилаётганларини Исо билиб, уларга деди:

— Эй имони сустлар! Нега сизлар, нонимиз йўқ, деб айтяпсизлар? 9 Ҳали ҳам

тушунмадингизларми? Беш мингта одамга бешта нонни бўлиб берганим эсингиздами? Ўшанда қолган–қутган нонларга нечта саватни тўлдириб олган эдингизлар? 10 Ёки еттита нонни тўрт минг кишига бўлиб берганим–чи? Ўшанда, нон бурдалари билан нечта саватни тўлдириб олган эдингизлар? 11 Мен сизларга нон ҳақида гапирмаганимни ҳали ҳам англамадингизларми? Мен сизларга: “Фарзийлар билан саддуқийларнинг хамиртурушидан эҳтиёт бўлинглар!” деб айтяпман.

12 Шундан кейин шогирдлар тушундиларки, Исо уларни нонга ишлатиладиган хамиртурушдан сақланиш тўғрисида эмас, балки фарзийлар билан саддуқийларнинг таълимотидан эҳтиёт бўлиш тўғрисида огоҳлантираётган экан.

Бутрус Масиҳни тан олади

13 Исо Филип Қайсарияси* атрофидаги ҳудудга келди. Ўша ерда У шогирдларидан сўради:

— Одамлар Инсон Ўғлини ким деб билади?

14 Шогирдлар Унга шундай жавоб бердилар:

— Баъзилар Яҳё чўмдирувчи, баъзилар Илёс, баъзилар Еремиё*, бошқалар эса, қадимги пайғамбарлардан бири, деб айтиб юрибдилар.

15 Исо улардан сўради:

— Сизлар–чи, Мени ким деб биласиз?

16 Шимўн Бутрус* жавоб бериб деди:

— Сиз Масиҳсиз*, Барҳаёт Худонинг Ўғлисиз!*

17 Шимўн Бутрусга Исо деди:

— Сен бахтлисан, эй Юҳанно* ўғли Шимўн! Ахир, бу сирни сенга инсон эмас, балки осмондаги Отам очиб берган. 18 Шимўн, сенга шуни айтай: Бутрус исминг “қоя” дегани–ку!* Мана шу қоя устига Мен Ўзимнинг жамоатимни* қураман. Ҳатто ўлим шоҳлиги ҳам жамоатимга бас кела олмайди. 19 Осмон Шоҳлиги калитларини Мен сенга бераман. Ер юзида сен нимани тақиқласанг, самода ҳам тақиқланади. Ер юзида сен нимага ижозат берсанг, самода ҳам ижозат берилади.

20 Бундан сўнг Исо: “Масиҳ эканимни ҳеч кимга айтманглар”, деб шогирдларига қатъий буюрди.

Исо Ўз ўлими ҳақида гапиради

21 Шу вақтдан бошлаб, Исо шогирдларига қуйидагиларни очиқчасига тушунтира бошлади: “Мен Қуддусга бориб, йўлбошчилар, бош руҳонийлар* ва Таврот тафсирчилари қўлида кўп азоб чекаман. Мени ўлдиришади, лекин учинчи куни Мен тириламан.” 22 Шунда Бутрус Исони четга тортиб деди:

— Бундай деб айтманг, Ҳазратим! Худо сақласин! Бошингизга асло бундай кунлар келмасин!

23 Исо эса Бутрусга қараб:

— Йўқол кўзимдан, шайтон! — деди. — Мени йўлдан урма! Сен Худонинг ишларини эмас, инсон ишларини ўйлаяпсан.

24 Кейин Исо Ўз шогирдларига деди:

— Кимда–ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва хочини кўтариб*, орқамдан юрсин. 25 Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун жонини берса, уни асраб қолади. 26 Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса–ю, ўз жонидан маҳрум бўлса, бундан унга нима фойда?! Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов бера олади?! 27 Инсон Ўғли самовий Отасининг улуғворлигида, фаришталари билан келганда, ҳар кимни ўз ишига яраша тақдирлайди.
28 Сизларга чинини айтайин: бу ерда турганлардан баъзилари, Инсон Ўғлининг

Шоҳ бўлиб келганини кўрмагунча, ўлмайдилар.

17–БОБ

Исонинг қиёфаси ўзгаради

1 Орадан олти кун ўтди. Исо ёнига фақат Бутрус, Ёқуб ва Ёқубнинг укаси
Юҳаннони олиб, баланд бир тоққа чиқди. 2 У ерда, уларнинг кўз ўнгида Исонинг
қиёфаси ўзгарди: юзи қуёшдай порлаб, кийимлари кўзни қамаштирадиган
даражада оппоқ бўлиб қолди. 3 Бирданига уларга Мусо билан Илёс зоҳир
бўлишди. Улар Исо билан гаплашдилар. 4 Бутрус Исога деди:
— Ҳазрат, яхши ҳам шу ерда эканмиз! Истасангиз, учта чайла ясайман*:
биттаси Сизга, биттаси Мусога, биттаси Илёсга.
5 У шу гапини тугатмаган ҳам эдики, бирданига оппоқ булут пайдо бўлиб,
ҳаммаларига соя солди. Булут орасидан шундай овоз келди:
— Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан мамнунман*. Унга қулоқ солинглар!
6 Шогирдлар овозни эшитганларида, шунчалик қўрқиб кетдиларки, ерга юз
тубан йиқилдилар. 7 Исо эса келиб, уларга қўл теккизди–да:
— Туринглар, қўрқманглар! — деди. 8 Улар бошларини кўтариб, ёлғиз Исодан
бошқа ҳеч кимни кўрмадилар.
9 Тоғдан тушаётганларида Исо уларга буюрди:
— Инсон Ўғли ўлиб тирилмагунча, бу кўрганларингизни ҳеч кимга
айтманглар.
10 Шогирдлари Ундан сўрадилар:
— Нега Таврот тафсирчилари, Масиҳдан олдин Илёс келиши керак*, деб
айтадилар?
11 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Тўғри, аввало Илёс келиб, ҳамма нарсани тиклаши керак. 12 Бироқ Мен
сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган*. Аммо одамлар уни танимай, уни
хоҳлаганича хўрладилар*. Худди шунга ўхшаб, Инсон Ўғли ҳам одамлар қўлида
кўп азоб чекади.
13 Шунда шогирдлар тушундиларки, Исо уларга Яҳё чўмдирувчи тўғрисида
гапираётган экан.

Жинга чалинган болага Исо шифо беради

14 Исо шогирдлари билан оломон олдига келганда, бир одам Исонинг олдида
тиз чўкиб:
15 — Ҳазрат, — деди, — ўғлимга раҳм қилинг! Унинг тутқаноқ касали бор,
қаттиқ азоб чекмоқда. У кўпинча оловга ёки сувга йиқилиб тушади. 16 Ўғлимни
шогирдларингиз олдига олиб келгандим, аммо улар даволай олмадилар.
17 Исо шундай деди:
— Эй имонсиз ва бузуқ авлод! Қачонгача сизлар билан бирга бўлишим керак?!
Сизларга яна қанча тоқат қилишим керак?! Болани бу ерга олиб келинглар!
18 Исо жинга дўқ қилди. Жин боланинг ичидан чиқиб кетди, шу заҳоти бола
соғайиб қолди.
19 Шогирдлар Исо билан ёлғиз қолганларида, Ундан:
— Нега биз жинни қувиб чиқара олмадик? — деб сўрадилар. 20-21 Исо жавоб
бериб деди:
— Етарли имонингиз йўқлиги учун* шундай бўлди. Сизларга чинини айтайин:
агар зиғирдай* имонингиз бўлиб, шу тоққа: “Бу ердан у ерга кўч”, — деб
айтсангиз, тоғ кўчади. Сизлар учун имконсиз нарса бўлмайди*.

22 Исо шогирдлари билан Жалила ҳудудига қайтиб келгандан кейин, уларга деди:

— Инсон Ўғли одамлар қўлига тутиб берилади. 23 Уни ўлдиришади, учинчи куни эса У тирилади.

Шогирдлар ниҳоятда ғамгин бўлиб қолдилар.

Маъбад солиғи

24 Исо билан шогирдлари Кафарнаҳумга келганларида, Маъбад солиғини* йиғувчилар Бутруснинг олдига келиб:

— Устозингиз Маъбад солиғини тўламайдими? — деб сўрадилар.

25 — Тўлайди! — деб жавоб берди Бутрус.

Бутрус уйга келгач, Исо биринчи бўлиб гапирди:

— Бутрус*, сенинг фикринг қандай? Бу дунё шоҳлари солиқ ва божни кимдан йиғадилар? Ўзиникиларданми ёки бегоналарданми?

26 — Бегоналардан–да, — деб жавоб берди Бутрус.

— Демак, ўзиникилар солиқдан озод экан–да, — деди Исо. — 27 Аммо уларни норози қилмайлик. Кўлга бориб қармоқ ташла. Биринчи илинган балиқни олиб оғзини очсанг, кумуш тангани* топасан. Тангани олиб, икковимиз учун солиқ тўла.

18–БОБ

Худо олдида ким буюк?

1 Шу пайт шогирдлар Исонинг олдига келиб: “Осмон Шоҳлигида энг каттаси ким бўлади?” — деб сўрадилар.

2 Исо ёнига бир болани чақирди, уни ўрталарида турғизиб, 3 деди: “Сизларга чинини айтайин: агар сизлар ўзгармасангиз ва болалардай бўлмасангиз, ҳеч қачон Осмон Шоҳлигига кира олмайсизлар. 4 Агар ўзингизни мана шу бола сингари, паст тутсангиз, Осмон Шоҳлигида энг каттаси бўласиз. 5 Ким шундай бир болани Менинг номимдан қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади.

Васваса ва гуноҳ ҳақида

6 Менга ишонган шу кичикларнинг биронтасини* йўлдан оздирган одамнинг ҳолига вой. Бундай қилгандан кўра, ўша одамнинг бўйнига тегирмон тошини осиб, денгиз тубига чўктирилгани ўзи учун яхшироқ бўлар эди. 7 Одамларни йўлдан оздирадиган васвасалар дастидан бу дунёнинг ҳолига вой! Васвасалар албатта келади, лекин васвасага сабабчи бўлган одамнинг ҳолига вой!

8 Агар йўлдан озишингга қўлинг ёки оёғинг сабабчи бўлса, уни чопиб ташлаб, улоқтириб юбор. Икки қўл ёки икки оёқ билан абадий оловга ташлангандан кўра, майиб ёки чўлоқ бўлиб абадий ҳаётдан баҳраманд бўлганинг яхшироқдир. 9 Агар йўлдан озишингга кўзинг сабабчи бўлса, уни ўйиб олиб, улоқтириб юбор. Икки кўзинг билан дўзах оловига тушгандан кўра, бир кўзинг билан абадий ҳаётдан баҳраманд бўлганинг яхшироқдир.

Адашган қўй ҳақида масал

10-11 Эҳтиёт бўлинглар, бу кичиклардан биронтасини ҳам хор қилманглар. Сизларга шуни айтай: самода уларнинг фаришталари доимо самовий Отамнинг жамолини кўриб туради*. 12 Нима деб ўйлайсиз: агар бир одамнинг юзта қўйи бўлса–ю, улардан бири адашиб қолса, у тўқсон тўққизтасини тоғларда қолдириб, адашиб қолганини излаб кетмайдими?! 13 Агарда уни топиб олса, сизга чинини айтай: адашмаган тўқсон тўққизтасидан кўра, шу битта қўй учун у кўпроқ

севинади. 14 Шу сингари осмондаги Отангиз ҳам бу кичиклардан биронтасининг
йўқолиб қолишини истамайди.

Гуноҳ қилган биродарга муносабат

15 Агар биродарингиз сизга қарши гуноҳ қилса, унинг олдига боринг. У билан
якка ҳолда гаплашиб айбини юзига айтинг. Агар у сизга қулоқ солса, сиз
орангиздаги биродарлик ришталарини тиклаган бўласиз. 16 Агар сизга қулоқ
солмаса, ўзингиз билан яна бир ёки икки кишини олиб боринг, чунки «ҳар бир
масала иккита ёки учта гувоҳнинг сўзлари асосида кўриб чиқилади.»* 17 Агар
биродарингиз уларга ҳам қулоқ солмаса, имонлилар жамоатига* айтинг. Агар
имонлилар жамоатига ҳам қулоқ солмаса, уни бутпараст ёки солиқчи* деб
ҳисоблаб, у билан алоқани узинг.

18 Сизларга чинини айтайин: ер юзида сизлар нимани тақиқласангизлар,
самода ҳам тақиқланади. Ер юзида сизлар нимага ижозат берсангизлар, самода
ҳам ижозат берилади. 19 Сизларга яна шуни ҳам айтай: ораларингиздан
иккитангиз якдил бўлиб бирон нарса учун ибодат қилсангизлар, осмондаги Отам
тилагингизни бажаради. 20 Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса,
Мен ўша ерда уларнинг орасида бўламан.”

Раҳмсиз хизматкор ҳақида масал

21 Шундан кейин Бутрус келиб Исога деди: “Ҳазрат, агар биродарим менга
қарши гуноҳ қилса, уни неча марта кечирай? Етти мартами?”

22 “Сизларга шуни айтай: етти марта эмас, — деди Исо, — балки етмиш карра
етти марта*. 23 Шу сабабли Осмон Шоҳлигини бир шоҳга қиёслаш мумкин. Шоҳ ўз
хизматкорлари билан ҳисоб–китоб қилмоқчи бўлибди. 24 Ҳисоб–китобни
бошлаганда, унинг ҳузурига минг–минглаб тилла танга* қарздор бўлган
хизматкорини олиб келибдилар. 25 Лекин қарз тўлашга қурби етмагани учун шоҳ
унга:

— Ўзингни, хотинингни, болаларингни ва бутун мол–мулкингни сотиб,
қарзингни тўлайсан, — деб буюрибди. 26 Хизматкор шоҳнинг оёғига йиқилиб:

— Озгина сабр қилинг, ҳамма қарзимни тўлайман, — дебди. 27 Хизматкорига
шоҳнинг раҳми келибди. Шоҳ уни қўйиб юбориб, қарзидан кечибди.

28 Хизматкор эса ташқарига чиқиб, ўзидан юз кумуш танга* қарздор бўлган
бир шеригини учратиб қолибди. Уни ёқасидан олиб:

— Қарзингни тўла! — деб бўға бошлабди. 29 Шериги эса унинг оёқларига
йиқилиб:

— Озгина сабр қилинг, қарзимни тўлайман, — деб ёлворибди. 30 Аммо у
кўнмабди:

— Қарзингни тўламагунингча зиндонда ётасан, — деб шеригини қаматиб
қўйибди.

31 Бошқа хизматкорлар юз берган воқеани кўриб, хафа бўлибдилар. Шоҳнинг
ҳузурига бориб, ҳаммасини айтиб беribдилар. 32 Шунда шоҳ хизматкорини
ҳузурига чақириб:

— Эй ярамас хизматкор! — дебди. — Менга ёлворганинг учун барча
қарзингдан кечдим. 33 Мен сенга раҳм қилганимдай, сен ҳам шеригингга раҳм
қилсанг бўлмасмиди?!

34 Ғазабланган шоҳ хизматкорини зиндонбоннинг қўлига топшириб:

— Ҳамма қарзини тўламагунча унга азоб беринглар, — деб буюрибди.

35 Хуллас, агар сизлар биродарингизни чин дилдан кечирмасангиз, осмондаги
Отам сизларни ҳам шу кўйга солади.”

19–БОБ

Никоҳ ва ажралиш ҳақида

1 Исо бу гапларини тугатгандан кейин, Жалила ҳудудини тарк этди. У Иордан
дарёсининг шарқ томонига, Яҳудия ўлкасининг нариги томонига борди. 2 Бир
талай оломон Исога эргашиб борган эди. Исо у ерда хасталарга шифо берди.
3 Бир неча фарзийлар Исонинг олдига келдилар ва Уни синамоқчи бўлиб
сўрадилар:
— Қонунга кўра, эркак киши ҳар қандай сабаб билан ўз хотинидан ажралиши
мумкинми?*
4 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Наҳотки сизлар: азалда Яратувчи “одамларни эркагу аёл қилиб яратди”*
деган сўзларни ўқимаган бўлсангизлар? 5 “Шунинг учун эркак киши ота–онасидан
бўлак бўлиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир тан бўладилар.”* 6 Бунга
кўра, улар энди икки эмас, балки бир тан ҳисобланадилар. Худо бирга қўшганни
бандаси ажратмасин.
7 Фарзийлар эса Исога дедилар:
— Ундай бўлса, нима учун Мусо, эркак ўз хотинига талоқ хатини ёзиб бериб,
жўнатиб юборсин, деб амр берган?*
8 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Сизлар бағри тош бўлганларингиз учун Мусо хотинларингиз билан
ажрашишга ижозат берган, аммо азалда бундай бўлмаган. 9 Мен сизларга шуни
айтайин: ким бевафоликдан бошқа сабаб туфайли ўз хотини билан ажрашиб,
бошқасига уйланса, зино қилган бўлади*.
10 Шогирдлар Исога дедилар:
— Агар эркакнинг хотинига нисбатан шундай мажбурияти бўлса, уйланмаган
яхшироқ экан–да!
11 Исо эса шогирдларига:
— Ҳа, бу таълимотимни ҳамма ҳам қабул қилавермайди, — деди. — Бу
таълимотим Худо атаган одамларгагина тегишли. 12 Баъзи эркакларнинг уйлана
олмаслигига айрим сабаблар бор: баъзиларнинг эркаклиги туғма заифдир.
Бошқалари эса одамлар томонидан бичилган. Яна бошқалари Осмон Шоҳлиги
йўлида уйланишдан воз кечадилар. Бу таълимотни қабул қила оладиган қабул
қилсин.

Исо болаларни дуо қилади

13 Исо болаларимизга қўл қўйиб дуо қилсин деб, одамлар Исонинг олдига
болаларни олиб келишди. Шогирдлар эса болаларни олиб келган одамларни
койидилар. 14 Аммо Исо деди:
— Болаларга йўл беринглар, Менинг олдимга келишларига тўсқинлик
қилманглар! Зеро, Осмон Шоҳлиги шундайларникидир.
15 Исо болаларнинг бошига қўл қўйиб, дуо қилди, кейин Ўз йўлига кетди.

Бойлик ва абадий ҳаёт

16 Шу маҳал бир одам Исонинг ёнига келиб:
— Устоз!* Абадий ҳаётга эга бўлишим учун қандай яхши иш қилишим керак?
— деб сўради. 17 Исо унга деди:
— Нега Мендан яхши иш тўғрисида сўраяпсан? Фақатгина Худо
яхши–ку!* Абадий ҳаётдан баҳраманд бўлишни истасанг, Худонинг амрларига
риоя қилгин.

18 — Қайсиларига? — деб сўради у. Исо деди:
— “Қотиллик қилма. Зино қилма. Ўғрилик қилма. Ёлғон гувоҳлик берма.
19 Ота–онангни ҳурмат қил. Ўзгани ўзингни севгандай севгин”* деган амрларга.
20 Йигит Унга деди:
— Буларнинг ҳаммасига амал қилиб келаман. Яна нима қилишим керак?
21 Исо йигитга айтди:
— Агар комил бўлишни истасанг, бориб, мол–мулкингни сотиб, пулини камбағалларга тарқат. Шунда самода хазинанг бўлади. Кейин келиб, Менга эргашгин.
22 Йигит бу сўзларни эшитиб, ғамгин бўлиб қайтиб кетди, чунки унинг мол–мулки кўп эди.
23 Исо шогирдларига деди:
— Сизга чинини айтайин: бой одамнинг Осмон Шоҳлигига кириши қийин бўлади. 24 Сизларга яна шуни айтай: бойнинг Худо Шоҳлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши осонроқдир.
25 Шогирдлар буни эшитиб, ғоят ажабланишди ва:
— Ундай бўлса, ким нажот топа олар экан? — дейишди. 26 Исо уларга кўз тикиб деди:
— Инсон учун бу имконсиздир, лекин Худо учун ҳамма нарсанинг имкони бор.
27 Шунда Бутрус деди:
— Мана, биз уй–жойимизни ташлаб, Сизнинг орқангиздан эргашиб келдик. Бунинг эвазига нима оламиз?
28 Исо уларга шундай жавоб берди: “Сизга чинини айтайин: ҳамма нарса янгиланганда* ва Инсон Ўғли Ўзининг улуғвор тахтида ўтирганда, Менинг орқамдан эргашиб келган сизлар ҳам ўн иккита тахтга ўтириб, Исроилнинг ўн икки қабиласига ҳукмронлик қиласизлар. 29 Мен учун уй–жойини, ака–укаларини, опа–сингилларини, ота–онасини, болаларини ёки ер–мулкини ташлаб кетган ҳар бир киши булардан юз ҳисса ортиқроғини олиб, абадий ҳаётга эга бўлади. 30 Аммо биринчи бўлганларнинг кўплари охирги бўладилар, охиргилар эса биринчи бўладилар.

20–БОБ

Мардикорлар ҳақида масал

1 Осмон Шоҳлиги эрта саҳарда узумзорига мардикорлар ёллагани чиққан боғ эгасига ўхшайди. 2 Боғ эгаси мардикорларга, сизларга бир кумуш тангадан*, одатдаги бир кунлик иш ҳақини тўлайман, деб улар билан келишибди. Сўнг уларни ўзининг узумзорига юборибди.
3 Соат тўққизларда у бозор майдонига чиққан экан, бекор турган бир неча одамларни кўриб, 4 уларга:
— Сизлар ҳам менинг узумзоримга боринглар, тегишли иш ҳақингизни тўлайман, — дебди. Улар борибди.
5 Боғ эгаси соат ўн иккиларда ва учда бозор майдонига чиқиб, яна шундай қилибди. 6 Соат бешларда тағин бозор майдонига борса, бекор турган яна бошқаларни кўрибди–да:
— Нега сизлар бу ерда кун бўйи бекор турибсизлар? — деб сўрабди. 7 Улар:
— Ҳеч ким бизни ишга ёлламади, — деб жавоб беribдилар. Шунда боғ эгаси:
— Сизлар ҳам менинг узумзоримга бориб ишланглар*, — дебди.
8 Кеч бўлганда, узумзор эгаси ўзининг ишбошисига:

— Мардикорларни чақириб, уларга иш ҳақларини бер. Охир келганлардан бошлагин, биринчи келганларга охирида берасан, — деб буюрибди. 9 Шундай қилиб, соат бешларда иш бошлаганлар бир кумуш тангадан олишибди.
10 Биринчи келганларга ҳақ тўлаш навбати келганда, улар: “Биз кўпроқ оламиз”, деб ўйлабдилар. Аммо уларнинг ҳар бирига ҳам бир кумуш тангадан берилибди.
11 Улар пулларини олгач, боғ эгасига норозилигини билдира бошлашибди:
12 — Манави охирги келганлар бир соатгина ишлашди, биз эса кун бўйи жазирамада меҳнат қилдик. Аммо сиз бизнинг меҳнатимизни уларнинг қилган иши билан тенг кўрдингиз.
13 Боғ эгаси улардан бирига шундай деди:
— Дўстим, мен сенга ноҳақлик қилганим йўқ. Сен билан бир кумуш тангага келишган эдик–ку! 14 Энди ҳақингни олгин–у, жўна. Мана бу охирги келганларга сен билан баравар иш ҳақи беришни хоҳладим. 15 Ўзимнинг пулимни хоҳлаганимча сарф қила олишга ҳақим йўқми?! Ёки менинг сахийлигимни кўролмаяпсанми?
16 Шундай қилиб, охиргилар биринчи бўладилар, биринчилар эса охирги бўладилар*.”

Исо Ўз ўлими тўғрисида учинчи марта гапиради

17 Исо Қуддусга кетаётганда, ўн икки шогирдини четга олиб, уларга деди:
18 — Мана, биз Қуддусга кетяпмиз. У ерда Инсон Ўғли бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари қўлига тутиб берилади. Улар Инсон Ўғлини ўлимга маҳкум қиладилар. 19 Сўнг ғайрияҳудийларга* топширадилар. Ғайрияҳудийлар Уни ҳақоратлайдилар, қамчилайдилар ва хочга михлайдилар. Аммо учинчи куни У тирилади.

Бир онанинг тилаги

20 Ўша пайтда Забадиёнинг хотини икки ўғлини* бошлаб, Исонинг олдига келди. У Исодан бир нарса илтимос қилмоқчи бўлиб, Унга таъзим қилди. 21 Исо аёлдан:
— Нима истайсиз? — деб сўради.
— Шоҳлигингизда ўғилларимнинг бири Сизнинг ўнг томонингизда*, бири чап томонингизда ўтирсин! — деди Унга аёл. 22 Исо шундай деди:
— Сизлар нима сўраётганингизни билмайсизлар. Мен ичадиган азоб косасидан* сизлар ича оласизларми?*
— Ича оламиз! — деб жавоб берди улар. 23 Исо уларга деди:
— Сизлар–ку Мен ичадиган азоб косасидан ичасизлар*, аммо Менинг ўнг ва чап томонимда ўтиришга рухсат бериш Ўз ихтиёримда эмас. Бу ўринни осмондаги Отам кимларга атаган бўлса, ўшаларники бўлади.
24 Қолган ўнта шогирд буни эшитиб, иккала ака–укадан аччиқланиб кетишди.
25 Исо эса уларни ёнига чақириб, деди:
— Бутпарастларга қаранглар, уларнинг ҳукмдорлари халқларига ўз ҳукмини ўтказадилар, катта амалдорлари элга зўравонлик қиладилар. 26 Аммо сизларнинг орангизда бундай бўлмасин. Аксинча, орангизда ким катта бўлишни истаса, сизларга хизмат қилсин. 27 Орангизда ким биринчи бўлишни истаса, сизларга қул бўлсин. 28 Ахир, Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи бошқаларга хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни озод қилиш учун келган.

Исо икки кўрга шифо беради

29 Исо билан шогирдлари Ериходан кетар эканлар, бир талай оломон Исога

эргашди. 30 Йўл бўйида иккита кўр одам ўтирган эди. Улар олдиларидан Исо ўтиб кетаётганини эшитиб:

— Эй Ҳазрат, Довуд Ўғли*, бизларга раҳм қилинг! — деб бақирдилар.
31 Оломон эса:

— Жим бўлинглар! — деб уларга дўқ қилди. Улар эса янада қаттиқроқ бақириб:

— Эй Ҳазрат, Довуд Ўғли, бизларга раҳм қилинг! — деб фарёд қилишарди.
32 Исо тўхтаб, уларни ёнига чақирди–да:

— Мендан нима истайсизлар? — деб сўради. 33 Улар:

— Ҳазрат, кўзларимиз очилсин! — дейишди.

34 Исонинг уларга раҳми келиб, кўзларига қўл теккизди. Шу заҳоти уларнинг кўзлари очилди. Сўнг улар Исонинг ортидан эргашдилар.

21–БОБ

Исо Қуддусга тантанали киради

1 Исо билан шогирдлари Қуддусга яқинлашиб, Зайтун тоғи* этагидаги Байтфагия қишлоғига етиб келишганда, Исо икки шогирдига деди:

2 — Анави қишлоққа боринглар. У ерга боришингиз биланоқ, боғлаб қўйилган эшакни ва ёнидаги хўтикни кўрасизлар. Уларни ечиб, Менинг олдимга олиб келинглар. 3 Агар кимдир сизга бирон нима деса, “Булар Раббимиз Масиҳга керак. У дарҳол буларни қайтариб юборади”, деб айтинглар.

4 Бу воқеа пайғамбарнинг айтган қуйидаги сўзлари бажо бўлиши учун юз берган эди:

> 5 “Қуддус халқига* айтинг:
> Мана Шоҳингиз келяпти.
> Камтариндир Шоҳингиз,
> У эшакнинг устида,
> Ҳа, эшакнинг боласини —
> Хўтикни миниб келяпти.”*

6 Шогирдлар бориб, Исо уларга буюрганидай қилишди. 7 Улар эшак билан хўтикни Исонинг олдига олиб келишди. Эшак ва хўтик устига тўнларини ташлашди, Исо хўтикка минди. 8 Бир талай оломон тўнларини йўлга пойандоз қилди. Баъзилари эса дарахт шохларини кесиб, йўлга тўшадилар. 9 Олдинда ва орқада юраётган оломон шундай деб ҳайқирарди:

> “Довуд Ўғлига* тасанно!
> Эгамиз номидан келаётган Инсон барака топсин!*
> Фалак тоқида Унга тасанно ўқилсин!”

10 Исо Қуддусга кириб келганда, бутун шаҳар: “Бу ким бўлди?” деб ғимирлаб қолди. 11 Оломон эса шундай деб жавоб берарди: “У Жалиланинг Носира шаҳридан бўлган Исо пайғамбар!”

Исо сотувчиларни Маъбаддан қувади

12 Исо Маъбадга кириб, ичкарида олди–сотди қилаётган ҳаммани қувиб чиқарди. Саррофларнинг* хонтахталарини ва каптар сотувчиларнинг курсиларини ағдариб юборди. 13 Исо уларга шундай деди:

— “Менинг уйим, ибодат уйи деб аталади”*, деб Тавротда ёзилган–ку! Сизлар

эса Худонинг уйини қароқчилар уясига* айлантириб юборибсизлар!
14 Маъбадда Исонинг олдига кўрлар ва чўлоқлар келди. Исо уларга шифо
берди. 15 Бош руҳонийлар билан Таврот тафсирчилари Исонинг қилаётган ажойиб
ишларини кўриб ва Маъбаддаги болаларнинг: “Довуд Ўғлига тасанно!” деб
ҳайқираётганини эшитиб, қаттиқ ғазабландилар.
16 — Уларнинг нима деяётганларини эшитяпсанми? — дедилар Унга.
— Ҳа, эшитяпман! — деб жавоб берди Исо. — Наҳотки сизлар: “Сен болалар ва
чақалоқларга мадҳия айтишни ўргатдинг”* деган сўзларни ҳеч қачон ўқимаган
бўлсангиз?
17 Сўнг Исо уларни тарк этиб, Қуддусдан чиқиб кетди. У Байтания қишлоғига*
бориб, у ерда тунаб қолди.

Қуриб қолган анжир дарахти

18 Эрталаб Исо шаҳарга қайтиб келаётганда оч эди. 19 Йўл четида бир анжир
дарахтини кўриб, унинг ёнига борди. Исо барглардан бошқа ҳеч нарса топмай,
дарахтга:
— Бундан буён сенда асло мева бўлмасин! — деди. Анжир дарахти шу заҳоти
қуриб қолди. 20 Шогирдлар буни кўриб:
— Қандай қилиб анжир дарахти дарров қуриб қолди? — деб ҳайрон бўлдилар.
21 Исо уларга шундай деди:
— Сизларга чинини айтайин, агар шубҳаланмай ишонсангиз, нафақат анжир
дарахтини шу кўйга сола оласиз, балки мана бу тоққа: “Қўпорилиб, денгизга
отил”, — десангиз, айтганингиз бўлади. 22 Ишонинг, шунда ибодатда нимаики
сўрасангиз, оласиз.

Исонинг ҳокимияти ҳақида савол

23 Исо Маъбадга кириб таълим бераётганда, бош руҳонийлар ва халқ
йўлбошчилари Унинг олдига келиб, савол бердилар:
— Сиз бу ишларни қандай ҳокимият билан қиляпсиз? Бу ҳокимиятни Сизга
ким берган?
24 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Мен ҳам сизларга бир савол берайин. Агар Менга жавоб берсангизлар, Мен
ҳам бу ишларни қандай ҳокимият билан қилаётганимни сизларга айтаман. 25 Яҳё
халқни сувга чўмдириш ҳуқуқини Худодан олганмиди ёки инсонданми?
Улар эса ўзаро мулоҳаза юритдилар:
— Агар: “Худодан”, — десак, У: “Нега Яҳёга ишонмадингизлар?” — дейди.
26 Агар: “Инсондан”, — десак, халқдан қўрқамиз, чунки ҳамма Яҳёни пайғамбар
деб ҳисоблайди.
27 Шундай қилиб, улар Исога:
— Билмаймиз, — деб жавоб бердилар. Исо уларга деди:
— Ундай бўлса, Мен ҳам бу ишларни қайси ҳокимият билан қилаётганимни
сизларга айтмайман.

Икки ўғил ҳақида масал

28 Сўнг Исо уларга деди: “Сизлар мана бунга нима дейсизлар? Бир одамнинг
икки ўғли бор экан. У катта ўғлининг ёнига келиб:
— Ўғлим, бор, бугун узумзорда ишла, — дебди.
29 — Бормайман! — дебди ўғил. Аммо кейин айтган гапига пушаймон бўлиб,
борибди. 30 Ота кенжа ўғлининг олдига бориб, ўша гапини айтибди. Бу ўғил:
— Бўпти, бораман, ота, — дебди, аммо бормабди. 31 Икковидан қайси бири
отасининг хоҳишини бажарди?”

“Биринчиси”, — деб жавоб берди улар.

Исо уларга: “Сизларга чинини айтайин, — деди. — Солиқчилар* билан фоҳишалар Худонинг Шоҳлигига сизлардан олдин кириб борадилар. 32 Чунки Яҳё чўмдирувчи сизнинг олдингизга тўғри йўлни кўрсатгани келди, аммо сизлар унга ишонмадингизлар. Солиқчилар билан фоҳишалар эса ишонишди. Сизлар буни кўриб туриб ҳам пушаймон бўлмадингизлар, ишонмадингизлар.

Ёвуз боғбонлар ҳақида масал

33 Энди бошқа бир масални эшитинглар: бир ер эгаси бор экан. У узумзор барпо қилибди. Атроф–теварагини девор билан ўраб, узум сиқиш чуқурини* қазибди, кузатув минорасини қурибди. Кейин узумзорни боғбонларга ижарага бериб, ўзи сафарга кетибди. 34 Йиғим–терим мавсумида хўжайин: «Ҳосилдан менга тегишли улушни олиб келинглар», деб хизматкорларини боғбонлар олдига юборибди. 35 Боғбонлар эса унинг хизматкорларини тутиб олишибди, бирини уриб, бирини ўлдириб, бошқа бирини эса тошбўрон қилишибди. 36 Шундан кейин у олдингидан кўпроқ хизматкорларини боғбонлар олдига жўнатибди. Боғбонлар эса улар билан ҳам худди шундай қилишибди. 37 Охирида узумзор эгаси:

— Ўғлимни албатта ҳурмат этадилар, — деб боғбонлар олдига ўз ўғлини юборибди. 38 Аммо боғбонлар унинг ўғлини кўрганларида бир–бирига:

— Бу меросхўр–ку! Келинглар, уни ўлдириб, меросига эга бўлайлик, — дейишибди. 39 Уни тутиб, узумзордан ташқарига чиқариб, ўлдиришибди. 40 Хўш, сизнингча, узумзорнинг эгаси қайтиб келганда, у боғбонларни нима қилади?”

41 “У бу ярамасларни шафқатсизларча ўлдиради, — деб жавоб берди улар. — Узумзорни эса бошқа боғбонларга ижарага беради. Бу боғбонлар узум ҳосилини унга ўз вақтида беришади.”

42 Исо уларга деди: “Наҳотки сизлар Муқаддас битиклардаги шу сўзларни ҳеч ўқимаган бўлсангиз:

> «Бинокорлар рад этган тош
> Бинонинг тамал тоши* бўлди.
> Бу Эгамизнинг қилган ишидир,
> Кўз олдимиздаги ажойиботдир.»*

43 Шунинг учун сизларга айтаман: Худонинг Шоҳлиги сизлардан тортиб олинади ва Шоҳлик учун ҳосил етиштирадиган одамларга берилади. 44 Ким бу тамал тошига* йиқилса, парча–парча бўлади. Тош кимнинг устига тушса, уни эзиб юборади.”

45 Бош руҳонийлар ва фарзийлар бу масални эшитиб, Исо улар ҳақида гапирганини тушундилар. 46 Уни ҳибсга олмоқчи бўлдилар, аммо халқдан қўрқдилар. Чунки халқ Исони пайғамбар деб билар эди.

22–БОБ

Тўй зиёфати ҳақида масал

1 Исо одамларга яна масаллар билан гапира бошлади:

2 “Осмон Шоҳлигини ўғлига тўй зиёфати берган шоҳга қиёсласа бўлади. 3 Шоҳ тўйга таклиф этилган меҳмонларни чақириш учун хизматкорларини юборибди. Меҳмонлар эса келишни хоҳламабдилар. 4 Шоҳ яна бошқа хизматкорларини юбориб, шундай дебди:

— Таклиф этилганларга айтинглар: мен зиёфат дастурхонини тайёрлаб

қўйдим, буқаю бўрдоқиларим сўйилди, ҳаммаси тайёр. Тўйга келаверинглар!
5 Бироқ улар бу таклифни ҳам назарга илмабдилар, бири даласига, бошқаси ўз
ишига кетибди. 6 Қолганлар эса шоҳ хизматкорларини тутиб, хўрлаб,
ўлдиришибди. 7 Шоҳ буни эшитиб, ғазабланибди. Лашкарини юбориб,
қотилларни қатл қилдирибди, шаҳарларини эса ёндириб кул қилибди. 8 Шундан
кейин у хизматкорларига айтибди:
— Тўй зиёфати тайёр, лекин таклиф этилганлар бунга муносиб эмас эканлар.
9 Шунинг учун чорраҳаларга боринглар, кимни кўрсангиз, тўй зиёфатига таклиф
қилинглар.
10 Хизматкорлар йўлга чиқиб, учратганларининг ҳаммасини — ёмонларни ҳам,
яхшиларни ҳам йиғиб келибдилар. Хуллас, тўйхона меҳмонларга тўлибди.
11 Шоҳ меҳмонларни кўриш учун кирганда, у ерда тўй кийимини киймаган бир
одамни кўрибди 12 ва ундан:
— Дўстим, тўй кийимисиз бу ерга қандай кирдингиз? — деб сўрабди, у ҳеч
қандай жавоб бера олмабди. 13 Шунда шоҳ хизматкорларига айтибди:
— Бу одамнинг қўл–оёқларини боғлаб, ташқарига, қоронғиликка ташланглар.
У ерда у қаттиқ пушаймон бўлиб, фиғон чекади.
14 Ахир, даъват этилганлар кўп, аммо танланганлар оздир.”

Солиқ тўлаш ҳақида савол

15 Шунда фарзийлар келиб, Исони тилидан илинтириш учун режа туздилар.
16 Улар ўз шогирдларини Ҳирод тарафдорлари* билан бирга Исонинг олдига
юборишди.
— Устоз, — дейишди улар, — Сиз одил эканингизни биламиз. Сиз Худонинг
йўлини тўғри ўргатасиз. Бирор кишига хушомадгўйлик, юз–хотирчилик
қилмайсиз. 17 Бизга айтинг–чи, Қайсарга* солиқ тўлашимиз* тўғрими ёки йўқми?
18 Аммо Исо уларнинг нияти ёмон эканини билиб турарди. У шундай деди:
— Ҳой иккиюзламачилар! Нима, Мени синаб кўрмоқчимисизлар? 19 Солиққа
тўланадиган тангани Менга кўрсатинглар.
Улар Исога бир динор* келтирдилар.
20 — Бу сурат ва ёзув кимники? — деб сўради Исо.
21 — Қайсарники, — деб жавоб берди улар.
— Ундай бўлса, Қайсарнинг ҳақини Қайсарга, Худонинг ҳақини Худога
беринглар, — деди Исо.
22 Улар буни эшитиб лол қолдилар. Исони ўз ҳолига қўйиб, қайтиб кетдилар.

Ўликларнинг тирилиши ҳақида савол

23 Саддуқийлар ўликларнинг тирилишини инкор этардилар. Уларнинг
баъзилари ўша куни Исонинг олдига келиб, шундай савол бердилар:
24 — Устоз! Мусо айтган эдики*: “Агар одам фарзанд кўрмай ўлиб кетса,
марҳумнинг укаси акасининг хотинига уйланиб, акаси учун фарзандни дунёга
келтирсин.” 25 Хўш, бизда етти ака–ука бор эди. Биринчиси уйланди, аммо
фарзанд кўрмай оламдан ўтди, хотини эса укасига қолди. 26 Иккинчи, учинчи,
ҳатто еттинчисигача, ҳаммасининг бошига шу кўргилик тушди. 27 Охирида хотин
ҳам қазо қилди. 28 Айтинг–чи, Худо одамларни тирилтирганда хотин еттовидан
қайси бирининг хотини ҳисобланади? Ахир, ҳаммаси унга уйланган эди–ку.
29 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Сизлар Муқаддас битикларни* ҳам, Худонинг қудратини ҳам билмайсизлар,
ана шу сабабдан адашяпсизлар. 30 Ўликлар тирилганда уйланмайдилар, эрга ҳам
тегмайдилар, балки бамисоли самодаги фаришталардай бўладилар.

31 Ўликларнинг тирилиши ҳақидаги масалага келсак: наҳотки Худонинг сизларга
айтган гапларини ҳеч қачон ўқимаган бўлсангизлар?! 32 У: “Мен Иброҳим, Исҳоқ
ва Ёқубнинг Худосиман”*, — деган–ку! Ахир, Худо ўликларнинг эмас,
тирикларнинг Худосидир.
33 Оломон буни эшитиб, Исонинг таълимотидан ҳайратда қолди.

Энг буюк амр

34 Исо саддуқийларни мот қилиб қўйганини эшитиб, фарзийлар бир жойга
йиғилдилар. 35 Исони синаш мақсадида улардан бири — Таврот тафсирчиси Унга
шундай савол берди:
36 — Устоз, Тавротдаги қайси амр энг буюк?
37 Исо унга деди:
— “Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун
онгингиз билан севинг.”* 38 Бу биринчи ва энг буюк амр. 39 Иккинчиси эса шунга
ўхшашдир: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг.”* 40 Бутун Таврот ва
пайғамбарларнинг ҳамма битиклари* мана шу икки амрга таянади.

Масиҳ кимнинг ўғли?

41 Фарзийлар йиғилишганда, Исо улардан сўради:
42 — Масиҳ ҳақида нима деб ўйлайсизлар? У кимнинг ўғли?
— Довуднинг Ўғли*, — деб жавоб берди улар. 43 Исо уларга деди:
— Ундай бўлса, қандай қилиб Довуд Муқаддас Руҳ орқали Масиҳни Раббим деб
айтади? Довуд шундай деган эди:

> 44 “Эгамиз айтмоқда Раббимга:
> Душманларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча,
> Сен Менинг ўнг томонимда* ўтиргин.”*

45 Агар Довуд Масиҳни Раббим деб атаган бўлса, қандай қилиб Масиҳ Довуднинг
Ўғли бўлади?!
46 Исонинг саволига ҳеч ким жавоб бера олмади. Ўша кундан бошлаб ҳеч ким
Унга савол беришга журъат этолмайдиган бўлди.

23–БОБ

Сохта ва чин тақводорлик

1 Шундан кейин Исо оломонга ва шогирдларига гапирди: 2 “Қонунни изоҳлаш
ҳуқуқи Таврот тафсирчилари ва фарзийларга берилган. 3 Шу боис уларга қулоқ
солинглар, айтганини қилинглар, аммо қилганини қилманглар! Чунки улар
ўзлари айтганларни қилмайдилар. 4 Улар кўтариб бўлмайдиган оғир юкни
бировларга юклайдилар, ўзлари эса ёрдам бериш учун ҳатто бармоғини ҳам
қимирлатмайдилар. 5 Ҳамма ишларини бошқалар кўрсин деб қиладилар.
Пешаналарига таққан нишоналарини каттароқ, кийимларининг попукларини*
узунроқ қиладилар. 6 Шунингдек, зиёфатларда тўрга чиқишни ва синагогаларда
яхши жойларда ўтиришни ёқтирадилар. 7 Бозорларда одамлар уларга салом
беришларини, «устоз» деб мурожаат этишларини яхши кўрадилар.
8 Аммо сизларни ҳеч ким «устоз» деб чақирмасин, чунки ҳаммангизнинг битта
Устозингиз бор. Сизлар эса бир тенг биродару опа–сингилсизлар. 9 Ер юзида ҳеч
кимни ота деб айтманг, чунки сизларнинг самода ягона Отангиз бор. 10 Ҳеч ким
сизларни «йўлбошчи» деб ҳам айтмасин, чунки сизларнинг яккаю ягона
йўлбошчингиз Масиҳдир. 11 Орангизда ким бош бўлса, сизларга хизмат қилсин.

12 Зотан, ўзини ўзи юксалтирган камситилади, ўзини паст тутган эса
юксалтирилади.

Исо Таврот тафсирчиларига ва фарзийларга таъна қилади

13-14 Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар
иккиюзламачисизлар! Ахир, сизлар одамлар кирмасин деб, Осмон Шоҳлиги
эшикларини беркитиб қўйяпсизлар. У ерга ўзларингиз ҳам кирмаяпсизлар,
кирмоқчи бўлганларни ҳам киргизмаяпсизлар*.
15 Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар
иккиюзламачисизлар! Ахир, сизлар ҳеч бўлмаса бир кишини ўз динингизга
киритиш учун денгизу қуруқликни кезиб чиқасизлар. Ниятингизга
эришганингизда эса, уни ўзингиздан беш баттар дўзахи одам қиласизлар.
16 Эй кўр етакчилар, ҳолингизга вой! Сизлар: «Ким Маъбад ҳақи деб қасам
ичса, у қасамини бажармаса ҳам бўлади, аммо ким Маъбад олтини ҳақи деб қасам
ичса, ўз қасамини бажариши шарт», дейсиз. 17 Ҳой кўр нодонлар! Қайси бири
буюкроқ: Маъбаднинг олтиними ёки олтинни муқаддас қилган Маъбаднинг
ўзими?! 18 Яна сизлар шундай деб айтасизлар: «Ким қурбонгоҳ ҳақи деб қасам
ичса, у қасамини бажармаса ҳам бўлади, аммо ким қурбонгоҳдаги қурбонлик ҳақи
деб қасам ичса, қасамини бажариши шарт», дейсизлар. 19 Шу қадар кўр
бўлмасангиз–а! Қайси бири буюкроқ: қурбонликми ёки қурбонликни муқаддас
қилган қурбонгоҳми? 20 Ахир, қурбонгоҳ ҳақи деб қасам ичган, ҳам қурбонгоҳнинг
ўзи, ҳам ундаги барча қурбонликлар ҳақи қасам ичган бўлади–ку! 21 Маъбад ҳақи
деб қасам ичган эса, ҳам Маъбаднинг ўзи, ҳам Маъбадда яшайдиган Худо ҳақи
қасам ичган бўлади. 22 Осмон ҳақи деб қасам ичган эса, осмондаги Худонинг тахти
ва тахтда ўтирган Худонинг Ўзи ҳақи қасам ичган бўлади.
23 Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар
иккиюзламачисизлар! Сизлар ялпиз, укроп ва зирадан ушр* берасизлар, аммо
қонуннинг адолат, шафқат ва имон каби энг муҳим таълимотларини писанд
қилмайсизлар. Буларнинг бирини бажара туриб, иккинчисини ҳам ташлаб
қўймаслигингиз керак эди. 24 Ҳой кўр етакчилар! Сизлар ичимлигингиздан
чивинни сузиб оласизлар*, аммо туяни бутунлигича ютиб юборасизлар!
25 Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар
иккиюзламачисизлар! Сизлар пиёлаю лаганингизнинг сиртини тозалайсизлар–у,
аммо ичи очкўзлик ва худбинликка тўла. 26 Эй кўр фарзий! Сен, аввало, пиёла ва
лаганнинг ичини тозалаб ол, шунда уларнинг сирти ҳам тоза бўлади.
27 Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар
иккиюзламачисизлар! Чунки сизлар оҳакланган қабрларга* ўхшайсизлар:
қабрларнинг ташқи томони чиройли, аммо ичи мурдаларнинг суякларига ва ҳар
хил ифлосликларга тўла. 28 Шу сингари, сизлар ҳам ташқи томондан бошқаларга
тақводор бўлиб кўринасиз, аммо ичингиз иккиюзламачиликка ва гуноҳга тўла.

Сохта тақводорлар оладиган жазо

29 Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар
иккиюзламачисизлар! Ахир, сизлар пайғамбарларга мақбаралар қуриб,
тақводорларнинг қабрларини безатиб, 30 шундай дейсизлар: «Агар
ота–боболаримиз даврида биз ҳам яшаганимизда эди, уларга қўшилишиб
пайғамбарларнинг қонини тўкмаган бўлардик.» 31 Бу билан сизлар
пайғамбарларни қатл қилганларнинг ўғиллари эканингизни тан оляпсизлар.
32 Ота–боболарингиз бошлаган ишни охирига етказинглар энди!
33 Ҳой илонлар, заҳарли илонлар зоти! Сизлар дўзах жазосидан қандай қочиб

қутуласиз?! 34 Ана шу сабабдан Мен олдингизга пайғамбарларни, донишманду
устозларни юбораман. Аммо сизлар уларнинг баъзиларини ўлдирасизлар,
баъзиларини хочга михлайсизлар, бошқаларини эса синагогаларингизда
қамчилаб, шаҳарма–шаҳар қувғин қиласизлар. 35 Натижада ўлдирилган ҳамма
бегуноҳ одамларнинг қони учун сизлар жазоланасизлар. Айбсиз Ҳобилнинг
тўкилган қонидан тортиб, қурбонгоҳ билан Маъбад орасида сиз ўлдирган Бархиё
ўғли Закариёнинг* қони сизнинг гарданингизда бўлади. 36 Ҳа, сизларга чинини
айтаман: бу насл ҳамма қотилликлар учун жазо олади.

Исонинг Қуддус учун ноласи

37 Эҳ Қуддус, Қуддус! Пайғамбарларни қатл этиб, ҳузурига юборилганларни
тошбўрон қилувчи шаҳар! Товуқ ўз жўжаларини қанотлари остига қандай
тўпласа, Мен ҳам сенинг халқингни бир неча марта шундай тўпламоқчи бўлдим.
Лекин сен истамадинг. 38 Эй Қуддус аҳолиси, сизнинг Маъбадингиз ҳувиллаб
қолади. 39 Сизга шуни айтай: «Эгамиз номидан келадиган Инсон барака топсин»*,
деб айтмагунингизча, Мени кўрмайсизлар.”

24–БОБ

Исо охирзамон ҳақида гапиради

1 Исо Маъбаддан чиқиб кетаётганда, шогирдлари келиб, Исонинг диққатини
Маъбаднинг биноларига қаратдилар. 2 Исо уларга деди:

— Буларнинг ҳаммасини кўряпсизми? Сизларга чинини айтайин: булар
вайрон бўлади*. Бу ерда тош устида турган бironта тош қолмайди.

3 Исо бир Ўзи Зайтун тоғида* ўтирганда, шогирдлари Унинг ёнига келиб,
сўрашди:

— Бизларга айтинг–чи, бу ҳодисалар қачон юз беради? Сизнинг
келишингизни ва охирзамон яқинлашганини нимадан билсак бўлади?

4 Исо уларга шундай жавоб берди: “Эҳтиёт бўлинглар, ҳеч ким сизларни
йўлдан оздирмасин! 5 Чунки кўп кишилар ўзларини Менинг номим билан атаб:
«Мен Масиҳман», — деб бир қанча одамни йўлдан оздирадилар. 6 Сизлар
узоқ–яқиндаги уруш хабарларини эшитасизлар. Бироқ чўчиманглар! Булар содир
бўлиши шарт, аммо бу ҳали охири дегани эмас. 7 Халқ халққа қарши, шоҳлик
шоҳликка қарши кўтарилади. Айрим жойларда қаҳатчилик ва зилзилалар бўлади.
8 Бу ҳодисалар тўлғоқ азобларининг бошланишига ўхшайди.

9 Ўшанда сизларни қийнаш ва ўлдириш учун тутиб берадилар. Менинг номим
туфайли ҳамма халқлар сизлардан нафратланади. 10 Шунда кўплар имондан
қайтади, улар бир–бирини сотиб, бир–биридан нафратланади. 11 Кўп сохта
пайғамбарлар пайдо бўлади, улар кўпларни йўлдан уради. 12 Ёмонлик кўпайгани
учун одамлар орасида меҳр–оқибат йўқолади. 13 Лекин охиригача бардош берган
нажот топади. 14 Осмон Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабар бутун дунё бўйлаб ваъз
қилинади, ҳамма халқлар уни эшитади. Шундагина охирзамон келади.

Буюк мусибат ва Исонинг келиши

15 Дониёр пайғамбар айтганидай, кўп ҳаром–хариш ишларга сабаб бўладиган
макруҳ бир нарсанинг* муқаддас жойда турганини кўрганингизда — ўқиган
тушуниб олсин! — 16 Яҳудияда бўлганлар тоғларга қочишсин. 17 Томнинг устида
бўлганлар* уйидан бирон нарса олиш учун пастга тушмасин. 18 Далада бўлганлар
эса тўнини олгани қайтиб келмасин. 19 У кунларда ҳомиладор ва эмизикли
аёлларнинг ҳолига вой! 20 Қочишингиз қишга ёки Шаббат кунига тўғри

келмаслиги учун* илтижо қилинглар. 21 Чунки ўша вақтда шундай
азоб–уқубатлар бўладики, дунё яратилгандан то ҳозиргача бунақаси бўлмаган ва
қайтиб содир бўлмайди. 22 Лекин танланган одамлар учунгина у кунлар
қисқартирилади. Агар ўша кунлар қисқартирилмаганда эди, ҳеч бир жонзот омон
қолмасди. 23 Агар ўшанда кимдир сизларга: «Масиҳ мана бу ерда» ёки: «Ана у
ерда», деб айтса, ишонманглар. 24 Чунки сохта масиҳлар ва сохта пайғамбарлар
пайдо бўлиб, иложи бўлса, танланган одамларни ҳам йўлдан оздириш учун буюк
аломату мўъжизалар кўрсатадилар. 25 Мана, Мен сизларга олдиндан айтиб
қўйдим.
26 Шундай қилиб, агар улар сизларга: «Қаранглар! У саҳрода!» деб айтсалар,
борманглар. Агар улар: «У яширин жойда», деб айтсалар, ишонманглар. 27 Чунки
Инсон Ўғли келганда, Уни ҳамма кўради. У шарқдан ғарбга қадар бутун осмонни
ёритиб юборган чақмоқдай бўлади.
28 Калхатлар тўпланган жойда мурда бўлишини ҳамма билади. Менинг
келишим ҳам шу сингари, ҳаммага аён бўлади*.
29 Ўша кунлардаги азоб–уқубатлар ўтиши биланоқ,

«Қуёш қораяди, ойнинг нури сўнади.
Осмондан юлдузлар қулаб тушади,
Самовий кучлар ларзага келади.»*

30 Ўшанда Инсон Ўғлининг аломати осмонда намоён бўлади. Ер юзидаги барча
қабилалар қайғуради. Шунда ҳамма одамлар Инсон Ўғлини кўради. Инсон Ўғли
қудратга ва буюк улуғворликка бурканиб, булутларда келади*. 31 Карнайнинг
баланд садоси остида У фаришталарини ернинг тўрт томонига юборади. Улар
дунёнинг бир бурчагидан тортиб, нариги бурчагигача танланган одамларни
тўплаб олишади.

Ҳушёр бўлиш ҳақида

32 Анжир дарахтидан сабоқ олинглар: унинг шохлари кўкариб барг
чиқараётганда, ёз яқинлашганини биласизлар. 33 Шу сингари, мана бу воқеалар
содир бўлганда, билингки, ўша вақт* яқинлашиб қолган, остонангизда турибди.
34 Сизларга чинини айтайин: бу насл ўтмасданоқ, буларнинг ҳаммаси содир
бўлади. 35 Еру осмон йўқ бўлиб кетади, аммо Менинг сўзларим кучда қолади.
36 Ўша кун ва соат ҳақида самовий Отамдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ўғил
ҳам*, самодаги фаришталар ҳам билмайдилар. 37 Нуҳ даврида* қандай бўлган
бўлса, Инсон Ўғли келишида ҳам шундай бўлади. 38 Тўфонгача бўлган даврда
одамлар еб–ичардилар, уйланиб, турмушга чиқардилар. Нуҳ кемага киргунга
қадар ҳаёт шу зайлда давом этарди. 39 Тўфон келиб, уларнинг ҳаммасини ювиб
кетмагунча, улар ҳамма нарсадан бехабар эдилар. Инсон Ўғли келганда ҳам худди
шундай бўлади. 40 Ўшанда икки киши далада бўлади, бири олинади, бири
қолдирилади. 41 Тегирмон тортаётган икки аёл бўлади, бири олинади, бири
қолдирилади.
42 Шунинг учун ҳушёр бўлинглар. Мен — Раббингиз қайси куни келишимни
сизлар билмайсизлар. 43 Аммо шуни билиб қўйингки, агар уй эгаси туннинг қай
пайтида ўғри келишини билганда эди, у уйғоқ ўтириб, ўғрининг уйга бузиб
киришига йўл қўймаган бўларди. 44 Шунга ўхшаб, сизлар ҳам тайёр туринглар,
чунки Инсон Ўғли сизлар кутмаган вақтда келади.

Садоқатли ва садоқатсиз хизматкор ҳақида масал

45 Ишончли ва доно хизматкор ким? Хўжайин бундай одамни бошқа

хизматкорларига бошлиқ қилиб қўяди, уларга ўз вақтида овқат тарқатишни унга топширади. 46 Хўжайин уйга қайтганда ўша хизматкорини юмуш устида кўрса,
хизматкор нақадар бахтлидир! 47 Сизларга чинини айтай: хўжайин ўша
хизматкорини бутун мулки устидан бошқарувчи қилиб қўяди.
48 Борди–ю, у хизматкор ёмон бўлиб, кўнглида: «Хўжайиним ҳали бери қайтиб
келмайди» деб, 49 бошқа хизматкорларни ура бошласа ва шаробхўрлар билан
еб–ичса, 50 хизматкор кутмаган кунда, ўйламаган соатда хўжайини келиб қолади.
51 У хизматкорини қаттиқ жазолаб, бошига иккиюзламачиларнинг кунини солади.
Шунда хизматкор қаттиқ пушаймон бўлиб, фиғон чекади.

25–БОБ

Келиннинг ўнта дугонаси ҳақида масал

1 Охирзамон яқинлашганда Осмон Шоҳлигини қуйидагига ўхшатса бўлади:
келиннинг ўнта дугонаси мойчироқларини олиб, куёвни қаршилагани
чиқишибди. 2 Улардан бештаси нодон, бештаси доно экан. 3 Нодонлари
мойчироқларни олишибди–ю, аммо чироқ учун мой олишмабди. 4 Донолари эса
мойчироқлари билан бирга идишларда мой ҳам олибдилар. 5 Куёв кечикибди, шу
сабабдан ҳаммалари мудраб, ухлаб қолибдилар.
6 Ярим кечаси: «Ана, куёв келяпти! Уни кутиб олгани чиқинглар!» деган бир
овоз янграбди. 7 Шунда қизларнинг ҳаммаси ўрнидан туриб, мойчироқларини
тайёрлай бошлабдилар. 8 Нодонлари доноларига айтибдилар:
— Бизга ҳам мойингиздан озгина беринглар, чироқларимиз ўчяпти!
9 Донолари эса шундай жавоб берибдилар:
— Йўқ! Бизга ҳам, сизларга ҳам мой етмай қолади. Яхшиси, сотувчиларга
бориб, ўзларингизга мой сотиб олинглар.
10 Улар мой сотиб олгани кетишганда, куёв келиб қолибди. Тайёр турган
қизлар куёв билан бирга тўйхонага кириб кетишибди. Орқаларидан эшик
ёпилибди.
11 Кейин қолган қизлар келиб:
— Ҳазрат! Ҳазрат! Бизга эшикни очинг! — дейишибди. 12 Лекин У:
— Сизларни умуман танимайман, — деб жавоб берибди.
13 Хуллас, ҳушёр бўлинглар, чунки қайси куни, қайси соатда келишимни
билмайсизлар.

Учта хизматкор ҳақида масал

14 Яна Осмон Шоҳлигини сафарга жўнаб кетаётган одамга ўхшатса бўлади. У
кетишидан олдин хизматкорларини чақириб, ўз мол–мулкини уларга
топширибди. 15 У ҳар бирига қобилиятига яраша: бирига беш минг тилла,
иккинчисига икки минг тилла, учинчисига эса минг тилла* бериб, жўнаб кетибди.
16 Беш минг тилла олган хизматкор вақтни бой бермай, пулни ишга солибди ва
яна беш минг тилла даромад олибди. 17 Икки минг тилла олган хизматкор ҳам
худди шундай йўл тутиб, икки минг тилла орттирибди. 18 Минг тилла олган
хизматкор эса бориб, чуқур қазибди–да, хўжайин берган пулини кўмиб қўйибди.
19 Орадан анча вақт ўтибди. Хўжайин қайтиб келиб, хизматкорларидан
ҳисобот сўрабди. 20 Беш минг тилла олган хизматкори орттирган беш минг
тиллани ҳам олиб келиб, шундай дебди:
— Хўжайин! Менга беш минг тилла берган эдингиз. Мана, қаранг, мен
булардан ташқари яна беш минг тилла ишладим.
21 Хўжайини унга:

— Баракалла! Сен яхши ва ишончли хизматкорсан! — дебди. — Кичик ишда ишончимни оқлаганинг учун сенга катта ишларни ишониб топшираман. Кел, менинг хурсандчилигимга шерик бўл.

22 Икки минг тилла олган хизматкор ҳам келиб:

— Хўжайин! Менга икки минг тилла бергандингиз. Мана, қаранг, мен булардан ташқари яна икки минг тилла ишладим, — дебди. 23 Хўжайини унга:

— Баракалла! Сен яхши ва ишончли хизматкорсан! — дебди. — Кичик ишда ишончимни оқлаганинг учун сенга катта ишларни ишониб топшираман. Кел, менинг хурсандчилигимга шерик бўл.

24 Минг тилла олган хизматкор ҳам келиб шундай дебди:

— Хўжайин! Мен сизнинг қаттиққўл одам эканингизни билардим. Сиз экмаган ердан ўрасиз, ўзингиз етиштирмаган ҳосилни йиғиб оласиз. 25 Шунинг учун мен қўрққанимдан бориб, берган тиллангизни ерга кўмиб қўйган эдим. Мана тиллангиз!

26 Хўжайин унга шундай жавоб берибди:

— Эй ёмон, ялқов хизматкор! Мен экмаган ердан ўришимни, ўзим етиштирмаган ҳосилни йиғиб олишимни билар экансан, 27 пулимни муомалага киритсанг бўлмасмиди?! Мен қайтиб келиб, пулимни фойдаси билан қайтариб олган бўлар эдим.

28 Сўнг хўжайин дебди:

— Қани, ундаги минг тиллани олиб, ўн минг тилласи борга беринглар!
29 Чунки кимда бор бўлса, унга яна берилади ва у мўл–кўлчиликда яшайди. Кимда йўқ бўлса, ҳатто бори ҳам тортиб олинади. 30 Энди бу ярамас хизматкорни ташқарига, қоронғиликка улоқтириб юборинглар. У ерда бу ярамас қаттиқ пушаймон бўлиб, фиғон чекади*.

Қиёмат–қойим сўроғи

31 Инсон Ўғли Ўзининг улуғворлигида, жамики фаришталари билан бирга келганда Ўзининг шоҳона тахтига ўтиради. 32 Барча халқлар Унинг ҳузурига тўпланадилар. Чўпон қўйларни эчкилардан ажратгандай, У халқларни бир–биридан ажратади. 33 У қўйларни ўнг томонига, эчкиларни чап томонига қўяди.

34 Шундан кейин Шоҳ ўнг томонидагиларга айтади:

— Эй самовий Отамнинг баракасини олганлар, келинглар! Шоҳликни мерос қилиб олинглар! Бу шоҳлик олам яратилгандаёқ сизлар учун тайёрлаб қўйилган.
35 Ахир, Мен оч эдим, Менга овқат бердингизлар. Чанқаган эдим, Менга ичимлик бердингизлар. Мусофир эдим, уйингиздан бошпана бердингизлар. 36 Яланғоч эдим, Мени кийинтирдингизлар. Касал эдим, Менга ғамхўрлик қилдингизлар. Зиндонда эдим, Мени келиб кўрдингизлар.

37 Бунга жавобан солиҳлар Унга шундай дейдилар:

— Ё Раббий! Қачон Сени оч ҳолда кўриб, овқат берибмиз?! Қачон чанқаганингни кўриб, бирон нарса ичирибмиз? 38 Мусофир эканингни қачон кўриб, уйимиздан бошпана берибмиз? Яланғоч эканингни қачон кўриб, кийинтирибмиз? 39 Касал ёки зиндонда бўлганингда қачон Сени йўқлаб борибмиз?

40 Шоҳ уларга шундай жавоб беради:

— Сизларга чинини айтайин: сизлар энг кичик биродаримга қилган ҳар қандай яхшилигингизни Менга қилган бўласиз.

41 Сўнг У чап томондагиларга ҳам айтади:

— Эй лаънатилар, кўзимдан йўқолинглар! Иблис ва унинг фаришталарига

тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинглар! 42 Ахир, Мен оч эдим, овқат
бермадингизлар. Чанқагандим, ичгани ҳеч нарса бермадингизлар. 43 Мусофир
эдим, уйингиздан бошпана бермадингизлар. Яланғоч эдим, Мени
кийинтирмадингиз. Касал бўлдим, зиндонга тушдим, Мени келиб кўрмадингиз.
44 Шунда улар айтадилар:
— Ё Раббий! Қачон Сени оч, чанқаган, мусофир, яланғоч, касал ҳолда ёки
зиндонда эканингни кўрибмиз? Агар кўрганимизда эди, наҳотки Сендан
хизматимизни аяган бўлардик?!
45 У эса шундай жавоб беради:
— Сизларга чинини айтайин: сизлар энг кичик биродаримдан аяган
яхшилигингизни Мендан аяган бўласизлар.
46 Булар абадий жазога, солиҳлар эса абадий ҳаётга муяссар бўладилар.”

26–БОБ

Исони ўлдириш режаси

1 Исо бу гапларни айтиб бўлгач, шогирдларига шундай деди: 2 “Икки кундан
кейин Фисиҳ зиёфати* бўлишини биласизлар. Ана ўшанда Инсон Ўғлига хоинлик
қилишади, Уни хочга михлашади.”
3 Бу пайтда бош руҳонийлар ва халқ йўлбошчилари Каяфас исмли олий
руҳонийнинг саройида йиғилган эдилар. 4 Улар Исони ҳийла билан тутиб,
ўлдириш учун фитна ўйлаб топдилар. 5 Аммо улар: “Биз бу ишни байрам кунлари
қилмаслигимиз керак, акс ҳолда, халқ ғалаён кўтариши мумкин”, дедилар.

Исога атир мой қуйган аёл

6 Исо Байтанияда* илгари тери касаллигига* чалинган Шимўннинг* уйида
7 меҳмон бўлиб ўтирган эди. Шунда бир аёл ганчдан* ясалган идишда қимматбаҳо
атир мой олиб келиб, Исонинг бошидан қуйди. 8 Шогирдлар буни кўргач,
ғазабланиб:
— Бу исрофгарчиликнинг нима кераги бор эди?! 9 Ахир, бу мойни катта пулга
сотиб, камбағалларга тақсимлаб бериш мумкин эди–ку! — дейишди.
10 Шогирдлар нима тўғрисида гапираётганларини Исо билиб қолиб, уларга
деди:
— Нега аёлни хижолатда қолдиряпсизлар? У Мен учун ажойиб иш қилди.
11 Камбағаллар ҳар доим сизлар билан бирга бўладилар. Мен эса ҳар доим ҳам
сизлар билан бирга бўлмайман. 12 Аёл бу мойни танамга тўкиб, Мени дафнга
тайёрлади*. 13 Сизларга чинини айтайин: Хушхабар дунёнинг қайси ерида эълон
қилинмасин, бу аёл ҳам эсга олиниб, унинг қилган иши ҳақида айтилади.
14 Шунда ўн икки шогирддан бири бўлган Яҳудо Ишқариёт бош
руҳонийларнинг олдига бориб:
15 — Агар Исони сизларга тутиб берсам, менга нима берасизлар? — деб сўради.
Улар Яҳудога ўттиз кумуш танга бердилар. 16 Ўша вақтдан бошлаб Яҳудо Исони
тутиб бериш учун қулай фурсатни кута бошлади.

Қутлуғ кеча ва Исога хиёнат

17 Хамиртурушсиз нон байрамининг* биринчи кунида шогирдлар Исонинг
олдига келиб дедилар:
— Фисиҳ таомини қаерда емоқчисиз? Биз бориб тайёргарлик кўрайлик.
18 Исо деди:
— Қуддусга фалончининг олдига бориб, унга шундай деб айтинглар:

Устозимиз сизга: “Вақтим етди. Мен Фисиҳ зиёфатини шогирдларим билан сизнинг уйингизда ўтказмоқчиман”, деб айтиб юбордилар.
19 Шогирдлар Исонинг айтганини қилиб, Фисиҳ таомини тайёрладилар.
20 Кеч кирганда, Исо ўн икки шогирди билан дастурхон атрофига ёнбошлади.
21 Овқатланаётганларида Исо:
— Сизларга чинини айтайин, орангиздан биттангиз Менга хиёнат қилади, — деди.
22 Шогирдлар қаттиқ хафа бўлиб, бирин–кетин:
— Ҳазрат, наҳотки мени назарда тутаётган бўлсангиз? — деб сўрадилар.
23 У эса шундай жавоб берди:
— Мен билан баравар косага нонни ботирган Менга хиёнат қилади. 24 Ҳа, Инсон Ўғли У ҳақда ёзилгандай жон беради. Аммо Инсон Ўғлига хиёнат қилган одамнинг ҳолига вой! Унинг туғилганидан кўра, туғилмагани яхшироқ эди.
25 Сотқин Яҳудо Исога:
— Устоз, наҳотки ўша мен бўлсам? — деди.
— Ўзинг айтдинг, — деб жавоб берди Исо.
26 Улар овқатланаётганда, Исо нонни олди, дуо ўқиб синдирди. Нонни шогирдларига бериб:
— Олиб енглар, бу Менинг танамдир, — деди. 27 Шароб қуйилган косани ҳам олди, шукрона дуосини ўқиб, уларга узатди:
— Бундан ҳаммаларинг ичинглар, — деди. 28 — Бу шароб Худонинг аҳдини* билдиради. Бу аҳд кўпларнинг гуноҳини ювиш учун тўкиладиган қоним эвазига кучга киради. 29 Сизларга шуни айтай: бир кун келиб, Мен сизлар билан бирга осмондаги Отамнинг Шоҳлигида янги шароб ичаман. Аммо ўша кун келмагунча узум неъматини оғзимга ҳам олмайман.
30 Сўнг улар ҳамду сано куйлаб, Зайтун тоғи* томон кетдилар.

Бутруснинг Исодан тониши ҳақида каромат

31 Исо шогирдларига деди:
— Бугун кечаси ҳаммаларингиз Мени ташлаб, қочиб кетасизлар. Чунки ёзилган:

“Мен чўпонни ўлдираман,
Шунда сурувдаги қўйлар ҳар ёққа тарқалиб кетади.”*

32 Бироқ Мен тирилганимдан кейин, сизларни Жалилада кутаман.
33 Бутрус Исога деди:
— Сизни ҳамма ташлаб кетса ҳам, мен ташлаб кетмайман!
34 Исо унга:
— Сенга чинини айтайин, шу кечасиёқ, хўроз қичқирмасдан олдин, сен Мендан уч марта тонасан, — деди. 35 Бутрус Унга:
— Керак бўлса, Сиз билан бирга ўламан! Аммо Сиздан асло тонмайман! — деди. Бошқа ҳамма шогирдлари ҳам шундай дедилар.

Исонинг боғдаги ибодати

36 Шундан кейин Исо шогирдлари билан Гетсемания* деган жойга борди. Исо шогирдларига:
— Шу ерда ўтириб туринглар, Мен нарироққа бориб, ибодат қиламан, — деди.
37 У ёнига Бутрусни ва Забадиёнинг икки ўғлини* олди. Исони қайғу, ғам қамради.
38 У шогирдларига:
— Юрагимдаги оғир қайғу Мени ўлгудай қийнаб юборди. Шу ерда

қолинглар–да, кўз–қулоқ бўлиб туринглар, — деди. 39 Сўнг бир оз нари кетиб, ерга
мук тушди–да, шундай деб ёлворди:
— Эй Отам, агар иложи бўлса, бу азоб косаси* Мени четлаб ўтсин. Аммо
Менинг хоҳишим эмас, Сенинг хоҳишинг бажо бўлсин.
40 У шогирдлари ёнига келиб, уларнинг ухлаб ётганини кўрди. Бутрусга деди:
— Мен билан бирга бир соатгина ҳам уйғоқ ўтира олмабсизлар–да!
41 Кўз–қулоқ бўлиб туринглар, васвасага тушиб қолмайлик, деб ибодат
қилинглар*. Руҳ тетик, тана эса заифдир.
42 Исо иккинчи марта кетиб, шундай деб илтижо қилди:
— Эй Отам! Агар бу азоб косасидан қутулишимнинг иложи бўлмаса, майли,
Мен ўша косадан ичаман. Сенинг хоҳишинг бажо бўлсин.
43 У қайтиб келиб, шогирдларининг яна ухлаб ётганини кўрди. Уларнинг
кўзлари юмилиб кетаётган эди. 44 Исо уларнинг олдидан яна кетиб, аввалги
сўзларини такрорлаб, учинчи марта ибодат қилди.
45 Сўнг У шогирдлари ёнига қайтиб келиб, уларга деди:
— Ҳалигача дам олиб, ухлаб ётибсизларми?! Мана, вақт–соати келди, Инсон
Ўғли гуноҳкорлар қўлига тутиб бериляпти. 46 Туринглар, кетайлик! Ана, Менга
хоинлик қилувчи келяпти!

Исо ҳибсга олинади

47 Исо ҳали гапини тугатмаган ҳам эдики, Яҳудо келиб қолди. У ўн икки
шогирддан бири бўлиб, унинг ёнида қилич ва таёқ кўтариб олган оломон бор эди.
Бу оломонни бош руҳонийлар ва халқ йўлбошчилари юборган эдилар. 48 Хоин
Яҳудо оломон билан тил бириктириб, шундай деганди: “Мен кимни ўпсам, У ўша
Кишидир. Уни қўлга олинглар.” 49 У тўғри Исонинг олдига бориб:
— Ассалому алайкум, Устоз! — деб, Уни ўпди. 50 Исо унга:
— Дўстим, қиладиган ишингни қила қол, — дейиши биланоқ, одамлар Исони
ушлаб, қўлга олдилар. 51 Шунда Исо билан бирга бўлганлардан бири қиличини
қинидан суғурди–да, олий руҳонийнинг хизматкорига бир уриб, қулоғини кесиб
ташлади. 52 Лекин Исо унга деди:
— Қиличингни қинига солиб қўй! Қилич кўтарганларнинг ҳаммаси қиличдан
ҳалок бўлади. 53 Керак бўлганда эди, Мен Отамга илтижо қилган бўлардим. У
Менга ўша заҳотиёқ ўн минглаб* фаришталарини юборган бўларди. Шуни
билмайсанми? 54 Лекин бундай қилганимда эди, қандай қилиб Муқаддас
битиклар* амалга ошарди? Ахир, буларнинг ҳаммаси содир бўлиши керак–ку!
55 Шундан сўнг Исо оломонга деди:
— Мен қароқчимидим, Мени олиб кетгани қиличу таёқлар билан
келибсизлар?! Мен ҳар куни Маъбадда таълим берардим. Сизлар ўшанда Мени
қўлга олмадингизлар. 56 Аммо буларнинг ҳаммаси пайғамбарларнинг Муқаддас
битиклардаги башоратлари бажо бўлиши учун рўй берди.
Ўшанда ҳамма шогирдлари Исони қолдириб, қочиб кетишди.

Исо яҳудийларнинг Олий кенгаши олдида

57 Исони қўлга олганлар Уни олий руҳоний Каяфаснинг ҳузурига олиб
келдилар. У ерда Таврот тафсирчилари билан йўлбошчилар ҳам йиғилишган эди.
58 Бутрус эса Исонинг орқасидан масофа сақлаб эргашиб, олий руҳонийнинг
ҳовлисигача келди. Бутрус ичкарига кириб, охири нима билан тугаркин, деб
кузатиш учун соқчиларнинг ёнига ўтирди. 59 Бош руҳонийлар ва Олий
кенгашнинг* барча аъзолари Исони ўлимга маҳкум қилиш учун Унга қарши сохта
далиллар излар эдилар*. 60 Анча гувоҳлар чиққан бўлса–да, етарлича айбловчи

далиллар топилмади. Ниҳоят, икки сохта гувоҳ сўзга чиқиб, [61] шундай айтишди:
— Бу Одам: “Мен Худонинг Маъбадини бузиб, уч кунда уни тиклай оламан”, деган*.
[62] Олий руҳоний ўрнидан туриб, Исога:
— Индамай тураверасанми?! Уларнинг Сенга қўйган айбларига жавоб қайтармайсанми?! — деди. [63] Исо эса индамади. Олий руҳоний Унга деди:
— Барҳаёт Худо ҳақи қасам ичиб, айт: Худонинг Ўғли* — Масиҳ Сенмисан?
[64] Исо унга:
— Гапингиз тўғри, — деди. — Бундан буён сизлар Инсон Ўғлини Қодир Худонинг ўнг томонида ўтирганини* ва осмон булутларида келаётганини кўрасизлар*.
[65] Шунда олий руҳоний ўз кийимларини йиртиб* деди:
— У куфрлик қиляпти–ку! Бизларга бошқа гувоҳларнинг нима кераги бор?! Унинг куфрлик қилганини ҳозиргина ўзларингиз эшитдингизлар. [66] Сизларнинг қароringиз қандай?
— У ўлимга лойиқ! — деб жавоб берди улар.
[67] Сўнг улар Исонинг юзига тупуриб, Уни муштлай бошладилар. Бошқалари эса Унга шапалоқ уриб:
[68] — Эй Масиҳ! Қани, топ–чи, Сени ким урди экан? — дердилар.

Бутрус Исодан тонади

[69] Бу пайтда Бутрус ташқарида ҳовлида ўтирган эди. Бир чўри қиз унинг ёнига келиб:
— Сиз ҳам ўша Жалилалик Исо билан бирга эдингиз–ку! — деди. [70] Лекин Бутрус ҳамманинг олдида буни инкор этиб деди:
— Нима тўғрисида гапираётганингизни тушунмаяпман.
[71] Сўнг дарвоза олдига борди. Шунда бошқа бир чўри қиз уни кўриб, у ерда турганларга:
— Мана бу одам Носиралик Исо билан бирга эди, — деди. [72] Бутрус эса қасам ичиб:
— Мен Уни танимайман! — деб яна Исодан тонди.
[73] Бир оздан кейин у ерда турганлар келиб, Бутрусга:
— Сен ўшалардан эканинг шевангдан* билиниб турибди, — дейишди.
[74] — Худо урсин! Мен бу Одамни танимайман! — деб қасам ичди Бутрус. Шу пайт хўроз қичқирди. [75] Шунда Бутрус Исонинг: “Хўроз қичқирмасдан олдин, сен Мендан уч марта тонасан” деган гапини эслади. У ҳовлидан чиқиб, аччиқ–аччиқ йиғлади.

27–БОБ

Хоин Яҳудонинг ҳалокати

[1] Тонг отганда, бош руҳонийлар ва халқ йўлбошчиларининг ҳаммаси Исони ўлимга маҳкум қилишга келишиб олдилар. [2] Улар Исони боғлаб, ҳоким Пилатга* олиб бориб топширдилар.
[3] Хоин Яҳудо эса Исонинг ўлимга маҳкум этилганини билиб, қилган ишидан пушаймон бўлди. У ўттиз кумуш тангани бош руҳонийлар билан йўлбошчиларга қайтариб олиб келди. [4] У:
— Мен гуноҳ қилдим! Бегуноҳ одамга хоинлик қилдим, — деди. Улар эса:
— Бизга нима?! Бу сенинг ишинг! — дейишди.
[5] Яҳудо кумуш тангаларни Маъбадга отиб юборди–да, чиқиб кетди. У бориб,

ўзини осиб ўлдирди.
6 Бош руҳонийлар тангаларни териб олиб: “Бу пулни Маъбад хазинасига қўша
олмаймиз, чунки булар қонга беланган”, — дейишди. 7 Улар маслаҳатлашиб, бу
пулга кулолнинг даласини* сотиб олдилар, у ерга мусофирлар дафн қилинадиган
бўлди. 8 Шунинг учун ўша ер бугунгача “Қон Ери” деб аталади. 9-10 Шундай қилиб,
Еремиё пайғамбарнинг башорати* бажо бўлди:

“Улар ўттиз кумуш тангани олиб,
Кулолнинг даласини сотиб олдилар.
Бу пул Исроил халқининг У учун белгилаган нархи эди.”

Эгамизнинг амри бўйича, Еремиёнинг ҳаётида ҳам худди шундай воқеа юз берган эди.

Исо Пилат ҳузурида

11 Исо ҳоким Пилатнинг ҳузурида турганда ҳоким Исодан:
— Сен яҳудийларнинг Шоҳимисан? — деб сўради.
— Сиз шунақа дейсиз, — деб жавоб берди Исо.
12 Бош руҳонийлар билан йўлбошчилар Исони айблаётганларида эса, У ҳеч
қандай жавоб бермади. 13 Шунда Пилат Унга:
— Эшитмаяпсанми, Сенинг бўйинингга қанча айблар қўйишяпти! — деди.
14 Лекин Исо бironта айбловга жавоб қайтармади. Ҳоким бунга қойил қолди.
15 Ҳокимнинг бир одати бор эди: у ҳар Фисиҳ байрамида* оломоннинг
хоҳишига кўра, бир маҳбусни озод қилар эди. 16 Ўша пайтда отнинг қашқасидай
таниқли бўлган Ёшуа* Бараббас* исмли бир маҳбус бор эди. 17 Халқ тўпланган ч,
Пилат улардан сўради:
— Сизлар кимни озод қилишимни истайсизлар: Ёшуа Бараббасними ёки
Масиҳ деб аталган Исонами?
18 Улар Исони ҳасад туфайли қўлга туширишганини Пилат билар эди. 19 Пилат
ҳукм курсисида ўтирган эди, хотини унга шундай хабар юборди: “Бу Одам айбсиз,
Унга бирон нарса қила кўрмагин, кеча тушимда У сабабли қаттиқ азоб тортдим.”
20 Аммо бош руҳонийлар билан йўлбошчилар оломонни қайраб, Пилатдан:
“Бараббасни озод қилинг, Исони эса ўлдиринг” деб сўрашга уларни кўндирдилар.
21 Ҳоким оломондан яна сўради:
— Икковидан қайси бирини озод қилишимни истайсизлар?
— Бараббасни! — деб жавоб берди улар.
22 — Масиҳ деб ном олган Исони нима қилай? — деб сўради Пилат.
— Хочга михлансин! — дейишди бир оғиздан.
23 — Нимага? У нима ёмонлик қилди? — деб сўради ҳоким. Лекин оломон:
— Хочга михлансин! — деб баттар бақирарди.
24 Пилат қўлидан ҳеч нарса келмаётганини ва ғалаён бошланаётганини кўриб:
— Бу Одамнинг* тўкиладиган қони учун мен айбдор эмасман. Бунга
ўзларингиз жавоб берасизлар! — деди–да, оломоннинг кўзи олдида сув олиб,
қўлларини чайди. 25 Бутун халқ бунга жавобан:
— Унинг қони бизнинг ва болаларимизнинг гарданида бўлсин! — дейишди.
26 Шундан сўнг Пилат Бараббасни озод қилди. Исони эса қамчилатиб, хочга
михлашни буюрди.

Исони ҳақорат қилишади

27 Ҳокимнинг аскарлари Исони ҳукумат саройига олиб бориб, бутун
бўлинмани Унинг олдига тўплашди. 28 Улар Исонинг кийимларини ечиб олиб,

Унинг эгнига қизил тўн кийдирдилар. 29 Тиканлардан тож ўриб, бошига
кийгиздилар. Ўнг қўлига қамиш тутқизиб, Унинг олдида тиз чўкканча: “Яшавор,
эй яҳудийларнинг Шоҳи!” деб масхара қилдилар. 30 Сўнг Унга тупуриб, қамиш
билан қайта–қайта бошига урдилар. 31 Уни шундай масхара қилганларидан кейин,
устидаги тўнни ечиб олиб, Ўзининг кийимларини кийдиришди. Сўнг Уни хочга
михлаш учун олиб кетишди.

Исо хочга михланади

32 Улар йўлда Киринеялик* Шимўн деган кишини учратиб қолиб, Исонинг
хочини* кўтариб боришга уни мажбур қилдилар. 33 Улар Гўлгота деган жойга етиб
келдилар. Гўлгота “бош суяги” маъносини беради. 34 Аскарлар у ерда Исога ичгани
аччиқ ўт* аралаштирилган шароб бердилар. Исо уни татиб кўрди, аммо ичмади.
35 Аскарлар Исони хочга михлаб қўйишди. Кийимлари учун қуръа ташлаб, ўзаро
бўлишиб олишди*. 36 Кейин ўша ерда Исони қўриқлаб ўтиришди. 37 Исонинг бош
томонига улар: “Бу яҳудийларнинг Шоҳи Исодир” деган айбномани осиб
қўйдилар.

38 Исо билан бирга иккита қароқчини ҳам михлаган эдилар. Уларнинг бири
Исонинг ўнг томонида, бири чап томонида эди. 39 Ўтиб кетаётганлар бошларини
чайқаб, Исони ҳақоратлашарди*:

40 — Эй Маъбадни бузиб уч кун ичида тиклайдиган! Агар Худонинг Ўғли*
бўлсанг, Ўзингни Ўзинг қутқар–чи! Хочдан тушиб кўр–чи!

41 Бош руҳонийлар, Таврот тафсирчилари ва йўлбошчилар ҳам уларга
қўшилиб, Исони масхаралай кетишди:

42 — У бошқаларни қутқарарди, Ўзини эса қутқара олмайди! У Исроилнинг
Шоҳи эмиш! Қани, хочдан тушсин, шунда биз Унга ишонамиз. 43 У Худога
ишонарди. Агар Худо Ундан мамнун бўлса, ҳозир Уни қутқарсин*. Ахир, У Ўзини
Худонинг Ўғли деб атаган–ку!

44 Исо билан бирга хочга михланган қароқчилар ҳам Уни шундай ҳақоратлар
эдилар.

Исо жон беради

45 Тушдан бошлаб соат учгача* ҳамма ёқ зулматга чўмди. 46 Соат учларда Исо
баланд овоз билан:

— Эли, Эли, ламо шавақтани?* — деб фарёд қилди. Бунинг таржимаси: “Эй
Худойим! Эй Худойим! Нега Мени тарк этдинг?!”* демакдир. 47 У ерда турган
баъзилар буни эшитиб:

— У Илёсни* чақиряпти, — дейишди. 48 Улардан бири югуриб бориб,
шимгични олди ва арзон шаробга* ботириб, бир қамишнинг учига илди–да, Исога
ичиш учун узатди. 49 Бошқалари эса:

— Қани, кўрайлик–чи, Илёс келиб* Уни қутқарармикан, — дейишди.

50 Аммо Исо қаттиқ фарёд қилди–ю, жон берди.

51 Шу заҳоти Маъбаддаги парда* юқоридан пастгача йиртилиб, иккига
бўлиниб кетди. Ер ларзага келди, тошлар ёрилди. 52 Қабрлар очилиб, тақводор
одамларнинг кўпчилиги тирилди. 53 Улар қабрларидан чиқдилар, Исо
тирилгандан кейин муқаддас Қуддус шаҳрига бордилар. Кўп одамлар уларни
кўрди.

54 Исони қўриқлаб турган Рим юзбошиси билан ёнидаги аскарлар зилзилани
ва содир бўлаётган барча ишларни кўриб, ваҳимага тушдилар. Улар:

— Ҳақиқатан ҳам бу Одам Худонинг Ўғли экан! — дедилар.

55 У ерда бир талай аёллар ҳам бор эди, улар узоқдан қараб турган эдилар. У

аёллар Жалиладан Исога эргашиб келган ва Унга хизмат қилгандилар.
56 Уларнинг орасида Магдалалик* Марям, Ёқуб билан Юсуфнинг онаси Марям ва
Забадиё ўғилларининг* онаси ҳам бор эди.

Исо дафн қилинади

57 Оқшом тушаётган пайтда* Юсуф деган Ариматеялик* бир бой одам келди. У
ҳам Исонинг шогирди эди. 58 Юсуф Пилатнинг ҳузурига бориб, Исонинг жасадини
сўради. Пилат жасадни унга беришни буюрди. 59 Юсуф жасадни олиб, уни тоза
зиғир матосига кафанлади 60 ва ўзи учун қояга ўйдирган янги қабрга қўйди. Юсуф
катта тошни юмалатиб келиб, қабрнинг оғзини ёпди ва ўзи кетди. 61 Магдалалик
Марям билан бошқа Марям* у ерда қолиб, қабрнинг рўпарасида ўтиравердилар.
62 Шаббат арафасининг эртасига бош руҳонийлар ва фарзийлар Пилатнинг
ҳузурига йиғилишиб, 63 дедилар:
— Ҳазрати олийлари, бир нарса эсимизга тушиб қолди: ўша ёлғончи
тириклигида: “Уч кундан кейин Мен тириламан”, деган эди. 64 Шунинг учун
буйруқ беринг: қабр уч кун қўриқлансин. Акс ҳолда, Унинг шогирдлари бориб,
жасадни ўғирлаб кетадилар–да, одамларга: “У ўликдан тирилди” деб айтадилар.
Бу ёлғон биринчисидан* ҳам баттар бўлади.
65 Пилат уларга деди:
— Хўп, қўриқчиларни олиб, қўлингиздан келганча, қабрни қўриқланглар.
66 Улар бориб, қабр тошига муҳр босдилар ва қабрни қўриқлай бошладилар.

28–БОБ

Исо тирилади

1 Шаббат кунининг эртасига, якшанба куни тонготарда Магдалалик* Марям
билан бошқа Марям* қабрни кўргани боришди. 2 Шунда тўсатдан қаттиқ зилзила
бўлди, чунки Эгамизнинг фариштаси осмондан тушиб, қабр оғзидаги тошни
ағдариб юборди. Фаришта ўша тош устига ўтирди. 3 Унинг қиёфаси яшиндай
порларди, кийимлари қордай оппоқ эди. 4 Уни кўриб соқчилар шунчалик қўрқиб
кетдиларки, титраб, мурдадай қотиб қолдилар.
5 Фаришта аёлларга деди:
— Қўрқманглар! Биламан, сизлар хочга михланган Исони қидиряпсизлар. 6 У
бу ерда йўқ. Ўзи айтганидай, У тирилди. Мана, келиб кўринглар, У шу ерда ётган
эди. 7 Энди тезроқ бориб, Унинг шогирдларига: “Исо ўликдан тирилди. У сизларни
Жалилада кутяпти. Уни ўша ерда кўрасизлар”, — деб айтинглар. Сизларга
айтадиган гапим шу эди.
8 Аёллар шоша–пиша қабр ёнидан кетдилар. Қўрқув ва чексиз севинчга тўлиб,
Исонинг шогирдларига хабар бергани югуриб кетдилар. 9 Бирданига Исонинг Ўзи
уларнинг қаршисидан чиқиб:
— Салом! — деди.
Аёллар Исонинг олдига бориб, оёқларига ёпишганча Унга сажда қилдилар.
10 Исо уларга деди:
— Қўрқманглар! Бориб, биродарларимга: “Жалилага борар экансизлар”, деб
айтинглар. Улар Мени ўша ерда кўрадилар.

Соқчиларнинг хабари

11 Аёллар кетганларидан кейин, соқчилар бўлинмасидан бир нечтаси шаҳарга
кириб, юз берган воқеа тўғрисида бош руҳонийларга айтиб бердилар. 12 Бош
руҳонийлар билан йўлбошчилар учрашиб, режа туздилар. Улар соқчиларга катта

миқдорда пул бериб, [13] шундай дедилар:
— Сизлар ҳаммага: “Исонинг шогирдлари кечаси келиб, биз ухлаб ётганимизда жасадни ўғирлаб кетишди”, деб айтасизлар. [14] Борди–ю, бу хабар ҳокимнинг* қулоғига етиб боргудек бўлса, уни ўзимиз ишонтирамиз, сизларни ҳар қандай кўнгилсизликдан халос этамиз.
[15] Шундай қилиб, соқчилар пулни олиб, айтилгандай қилдилар. Воқеанинг шу таърифи бугунги кунгача* яҳудийлар орасида кенг тарқалган.

Буюк топшириқ

[16] Ўн бир шогирд Жалила ҳудудига, Исо уларга тайин этган тоққа бордилар. [17] Шогирдлар Исони кўрганлари заҳоти, Унга сажда қилдилар, баъзилари эса иккиланиб қолдилар.
[18] Исо келиб, уларга деди: “Еру осмондаги бутун ҳокимият Менга берилган. [19] Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдиринглар. [20] Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан.”*

ИЗОҲЛАР

1:1 *Исо Масиҳнинг насабномаси* — шу бобнинг 1-16–оятларида Исонинг Юсуф орқали бўлган насабномаси келтирилган. Мазкур рўйхатдаги *...дан...туғилди* деган ибора маъноси *унинг авлоди эди* бўлиши ҳам мумкин. Одатда Муқаддас Китобда берилган насабномаларда ҳамма наслларнинг тўлиқ рўйхати берилмай, фақат маълум бир авлоднинг маълум бир аждоддан келиб чиққани кўрсатилади. Баъзи ҳолларда эса бирор насабдан тарқалган наслларнинг сонини кўрсатиш мақсадида насабномага исмлар киритилади (шу бобнинг 17–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

1:3 *Рам* — юнонча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Арам* (шу бобнинг 4–оятида ҳам бор). Унинг Рам деган шакли 1 Солномалар 2:9-10 дан олинган.

1:8 *...Ёҳурам...Ёҳурам...* — юнонча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёрам*. Унинг Ёҳурам деган шакли 3 Шоҳлар 22:50 дан олинган.

1:11 *Исроил халқи Бобилга сургун қилинган давр* — милоддан олдинги 586 йилда Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган эди (4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг).

1:11 *Ёҳайихин* — юнонча матнда *Ёхониё*, Ёҳайихиннинг яна бир исми. Шу бобнинг 12–оятида ҳам бор.

1:11 *Исроил халқи Бобилга сургун қилинган даврда Йўшиё Ёҳайихинни ва бошқа ўғил фарзандларни кўрди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Йўшиёдан Ёҳайиқим туғилди. Исроил халқи Бобилга сургун қилинган даврда Ёҳайиқим Ёҳайихинни ва бошқа ўғил фарзандларни кўрди*. Йўшиё Ёҳайихиннинг бобоси эди.

1:12 *Исроил халқи Бобилга сургун қилингандан кейин...* — милоддан олдинги 539 йилда Форс шоҳи Куруш Бобилни босиб олди. Кейинги йили у Бобилда сургунда яшаётган яҳудийларга Қуддусга қайтиб боришга ва Маъбадни қайта қуришга ижозат берди (2 Солномалар 36:20-23, Ишаё 44:28-45:4 га қаранг).

1:12 *Зарубабел* — Хаггей 1:1 нинг охирги изоҳига қаранг.

1:17 *...ўн тўрт насл...ўн тўрт насл...ўн тўрт наслдир* — бу соннинг қандай рамзий маъноси борлиги баҳсли. Ўн тўрт сони тўлиқликка ёки баркамолликка нисбатан танланган бўлиши мумкин, чунки еттини иккига кўпайтирса, ўн тўрт бўлади. Етти сони эса баркамоллик рамзидир. Ўн тўрт сони Довуд учун тимсол қилиб танланган бўлиши ҳам мумкин, чунки иброний тилида ҳар бир ҳарф маълум бир сонни ифодалайди ва Довуд исмининг ибронийча ҳарфларини ифодалайдиган сонлар қўшилганда ўн тўрт сони ҳосил бўлади. Булар муаллифнинг мақсадига мос келади, зотан у Исонинг ҳақиқий Масиҳ — Довуднинг ўғли эканлигини кўрсатмоқчи.

1:21 *Исо* — юнонча матнда *Иисус*, бу исм ибронийча *Ёшуа* исмидан олинган бўлиб, *Эгамиз қутқаради* маъносини ифодалайди.

1:23 Муаллиф бу ўринда Ишаё 7:14 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган. Бу ўринда ишлатилган юнонча қиз сўзи Ишаё 7:14 да ишлатилган ибронийча сўзга ўхшаб, ёш аёлга ёки бокира қизга ишора қилиши мумкин (Ишаё 7:14 нинг биринчи изоҳига қаранг). “Бокира қиз” ибораси Марямни аниқ тасвирлайди, чунки Марям эр кўрмаган эди.

1:25 *Ўғил* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *тўнғич ўғли*.

2:1 *Ҳирод* — Буюк Ҳирод унвони билан ҳам танилган бўлиб, у милоддан олдинги 37-4 йилларда бутун қадимги Фаластинда ҳукмронлик қилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАЛАСТИН сўзига қаранг.

2:2 *...Унинг юлдузи чиққанини кўрдик* — ёки *...шарқда Унинг юлдузини кўрдик*.

2:4 *Таврот тафсирчилари* — Мусонинг қонунини жуда яхши билган зиёли одамлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ТАВРОТ ТАФСИРЧИСИ иборасига қаранг.

2:4 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

2:6 Михо 5:2 га қаранг.

2:9-10 *Уларга олдин кўринган юлдуз* — ёки *Улар шарқда кўрган юлдуз*.

2:11 *мирра* — маълум бир дарахтларнинг қотган елимидан тайёрланган қимматбаҳо хушбўй модда.

2:15 Хўшея 11:1 га қаранг.

2:18 *Рама шаҳри* — Қуддусдан қарийб 8 километр шимолда жойлашган. Роҳиланинг мақбараси Рама шаҳрининг яқинида, Зилзах деган ерда эди (1 Шоҳлар 10:2 га қаранг). Роҳила Ёқубнинг хотини эди, Ёқуб Исроил халқининг бобокалони эди.

2:18 Еремиё 31:15 га қаранг.

2:22 *Архелаюс* — Яҳудия, Самария ва Идумея ҳудудларида ҳукмронлик қилган.

2:23 *...Эгамиз пайғамбарлар орқали...айтган башорати...* — пайғамбарларнинг, Масиҳ ҳақоратланади, рад этилади, деган башоратларига ишора бўлиши мумкин (Забур 21:7-8, Ишаё 53:3 га қаранг). Носира аҳамиятга эга бўлмаган кичкинагина шаҳар эди. Ўша даврларда одамлар Носираликларга паст назар билан қарар эдилар (Юҳанно 1:45-46 га қаранг).

3:1 *Ўша кунлар* — тахминан милодий 28 ёки 29 йил назарда тутилган (Луқо 3:1-3 оятларга ва Луқо 3:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

3:1 *Яҳудия чўли* — Иордан дарёсининг Ўлик денгизга қуйиладиган жойига яқин бўлган, дарёдан ғарбда жойлашган ерлар.

3:2 *Осмон Шоҳлиги* — Худонинг ҳозирги пайтда инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлиги ва охиратда ҳар бир яратилган мавжудотнинг янгиланишига ишора. Бу ибора фақатгина Матто китобида ишлатилган ва маъноси “Худонинг Шоҳлиги” деган ибора билан бир хил. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

3:3 Муаллиф бу ўринда Ишаё 40:3 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

3:4 *...туя жунидан тўқилган кийим...чарм камар...* — Илёс пайғамбар ва бошқа пайғамбарлар кийган кийимлар (4 Шоҳлар 1:8, Закариё 13:4 га қаранг).

3:7 *Фарзий* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга

ҳамда покланиш удумларига изчил амал қилардилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАРЗИЙ сўзига қаранг.

3:7 *саддуқий* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлардан фарқли равишда, улар оғзаки тарқалган урф–одатларни қабул қилмасдилар, балки фақатгина Тавротда ёзилган қонун–қоидаларга риоя қилардилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САДДУҚИЙ сўзига қаранг.

3:11 *олов* — имонлиларни поклайдиган Муқаддас Руҳнинг қудратига ишора бўлиши мумкин (Ҳаворийлар 1:5, 8, 2:1-4, 11:16 га қаранг). Аммо бу ўринда олов сўзи Ҳукм кунига ишора қилаётган бўлса керак (шу бобнинг 7-10, 12–оятларига қаранг). Охиратда одамлар Исога ва Унинг таълимотига қулоқ тутган–тутмаганларига қараб ҳукм қилинадилар.

3:17 *Бу Менинг севикли Ўғлимдир* — Забур 2:7 га қаранг.

3:17 *Ундан ниҳоятда мамнунман* — Ишаё 42:1 га қаранг.

4:3 *иблис* — юнонча матнда *васвасага солувчи*, иблисга нисбатан айтилган ибора.

4:3 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

4:4 Қонунлар 8:3 га қаранг.

4:6 Забур 90:11-12 га қаранг.

4:7 Қонунлар 6:16 га қаранг.

4:10 Қонунлар 6:13 га қаранг.

4:12 *Яҳёнинг ҳибсга олингани* — 14:3-5 га қаранг.

4:13 *Забулун ва Нафтали ҳудуди* — қадимги Фаластиннинг шимолида бўлиб, Эски Аҳд даврида Забулун ва Нафтали қабилалари шу ерларда яшарди, Исо даврида эса у ерларда кўплаб ғайрияҳудийлар истиқомат қиларди.

4:15-16 Ишаё 9:1-2 оятларга ва Ишаё 9:1 нинг изоҳларига қаранг.

4:24 *Сурия* — Рим империясига қарашли бўлиб, Жалила ҳудудининг шимолида, чегарадош вилоят эди.

4:25 *Декаполис ҳудуди* — Самария ва Жалиладан шарқда жойлашган. Юнончада Декаполис номининг маъноси — *ўнта шаҳар*. Декаполис ҳудудида Юнон ва Рим маданиятларининг маркази бўлган ўнта шаҳар бор эди.

5:16 *осмондаги Отангиз* — Худога ишора. Исо кўпинча Ота унвонини Худога нисбатан ишлатган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

5:17 *...Таврот...пайғамбарларнинг битиклари...* — одатда яҳудийлар, Эски Аҳд тўплами уч қисмдан иборат, деб айтадилар. Бу уч қисм қуйидагилардир: Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади), Пайғамбарлар битиклари (унинг таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) ва Битиклар (Забур бу қисмнинг биринчи китобидир). Яҳудийлар баъзан дастлабки икки қисм “Таврот ва Пайғамбарлар битиклари” деганда бутун Эски Аҳд тўпламини назарда тутадилар.

5:21 Чиқиш 20:13 га қаранг.

5:22 *...ҳатто ғазабланган одам...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ҳатто беҳуда ғазабланган одам*.

5:27 Чиқиш 20:14 га қаранг.

5:31 Қонунлар 24:1 га қаранг.

5:32 *Лекин Мен сизларга айтаман…* — 19:3-9 оятларга ва 19:3 изоҳига қаранг.

5:33 Саҳрода 30:3, Қонунлар 23:21 га қаранг.

5:35 *буюк Шоҳ* — Худога ишора.

5:38 Чиқиш 21:24, Левилар 24:20, Қонунлар 19:21 га қаранг.

5:41 *Биров* — Рим аскари назарда тутилган бўлиши мумкин. Ўша даврда қадимги Фаластин Рим империяси ҳукмронлиги остида эди.

5:41 *чақирим* — юнонча матнда *милион*, тахминан 1,5 километрга тўғри келади.

5:43 *Яқинингни севгин…* — Левилар 19:18 га қаранг.

5:44 *Сизларни қувғин қилганлар учун ибодат қилинглар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинглар. Сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун, сизларни қувғин қилганлар учун ибодат қилинглар*.

5:46 *солиқчилар* — бу солиқчилар одатда яҳудий бўлиб туриб, Рим давлатига ишлагани учун ҳамма уларни ёмон кўрарди. Кўп солиқчилар фирибгарлик қилиб, халқдан солиқ учун керагидан ортиқроқ пул ундирардилар–да, бу пулни ўз чўнтакларига урардилар. Мана шунинг учун ҳам халқ солиқчилардан нафратланиб, уларни ўз имонини сотган хоинлар деб биларди.

6:4 *…сизни тақдирлайди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *…сизни аниқ тақдирлайди*. Шу бобнинг 6, 18–оятларида ҳам бор.

6:13 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Салтанат, куч–қудрат ва шон–шуҳрат то абад Сеникидир. Омин*.

6:19 *…бундай бойликни куя ейди…* — қадимги пайтларда қимматбаҳо кийимлар ва гиламлар хазина ҳисобланар эди.

6:27 *лаҳза* — юнонча матнда *тирсак*. Одатда бу узунликни ўлчаш бирлиги, аммо баъзан қисқа вақтни ҳам билдиради. Баъзи олимларнинг фикри бўйича, Исо одамнинг ўз бўйини ўстира олмаслигига ишора қиляпти, аммо бу ўринда Исо Масиҳ одамнинг ўз умрини ҳатто қисқа вақтга ҳам узайтира олмаслигига ишора қилаётганининг эҳтимоли кўпроқ.

6:29 *шоҳ Сулаймон* — 3 Шоҳлар 10:23-27 га қаранг.

6:33 *Худонинг Шоҳлиги* — 3:2 изоҳига қаранг.

6:33 *…Унинг иродасини бажариш пайида бўлинглар* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *…Унинг солиҳлиги пайида бўлинглар*.

7:12 *Таврот ва пайғамбарлар таълимоти* — 5:17 изоҳига қаранг.

7:29 *Таврот тафсирчилари* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Таврот тафсирчилари ва фарзийлар*.

7:29 *…Таврот тафсирчиларидай эмас…* — одатда бу одамлар таълим берганда ўз таълимотларини асослаб бериш мақсадида аввал яшаб ўтган эътиборли, обрўли муаллимларнинг сўзларини мисол қилиб келтирар эдилар, аммо Исо бундай қилмаган.

8:2 *тери касаллиги* — бу ибора юнончада ҳар хил тери касалликларига нисбатан

ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун, бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Левилар 13:45-46 га қаранг).

8:2 *Ҳазрат* — юнонча матнда *куриос*. Бу ўринда обрў–эътиборли инсонга нисбатан ишлатиладиган сўз сифатида қўлланган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ… сўзига қаранг.

8:4 *руҳоний* — Қуддусдаги Маъбадда хизмат қиладиган эътиборли дин раҳнамоси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

8:4 *Покланганингни ҳаммага исбот қилиш учун…* — ёки *Мен Худонинг қонунига жиддий қарашимни руҳонийлар кўришлари учун….*

8:4 *…ўзингни руҳонийга кўрсат…Мусо амр қилган қурбонликларни келтир* — Левилар 14:1-32 га қаранг.

8:5 *Рим* — ўша даврда қадимги Фаластин Рим империяси ҳукмронлиги остида эди.

8:12 *Осмон Шоҳлигининг меросхўрлари* — Исроил халқига ишора. Яна 22:1-14 га ва Луқо 13:28-30 га қаранг.

8:16 *Кеч кирганда…* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди. Матнда тасвирланган пайт Шаббат кунининг якуни ва якшанба кунининг бошланиши эди (Марк 1:21, 29). Яҳудийларда якшанба ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланар эди.

8:17 Ишаё 53:4 га қаранг.

8:18 *кўлнинг нариги томони* — Жалила кўлининг шарқий қирғоғига ишора.

8:20 *Инсон Ўғли* — Исо Масиҳ кўпинча Ўзига нисбатан ишлатган унвон. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИНСОН ЎҒЛИ ибораси қаранг.

8:22 *руҳан ўлик бўлганлар* — юнонча матнда *ўлик бўлганлар*.

8:28 *Гадара* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Гергеса* ёки *Гераса*. Гадара шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда ғайрияҳудийлар истиқомат қиларди.

8:29 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ ибораси қаранг.

9:8 *…қўрқиб кетди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ҳайратга тушди*.

9:10 *солиқчилар* — 5:46 изоҳига қаранг.

9:13 Хўшея 6:6 га қаранг.

9:17 *…меш ёрилиб кетади…* — қадимги пайтларда суюқлик одатда ҳайвон терисидан қилинган мешларда сақланарди. Узум шарбати бижғиб, шаробга айланганда, мешлар шишарди. Меш эскиргани сари ўз чўзилувчанлигини йўқотгани боис, янги шароб эски мешга солинганда, мешни ёриб юборарди.

9:23 *най чалувчиларни ва дод–фарёд қилаётган оломон* — баъзан дафн маросимлари пайтида дод–фарёд қилиб, айтиб йиғлаш учун йиғичилар

ёлланарди.

9:27 *Довуд Ўғли* — яҳудийлар шоҳ Довуд наслидан келиб чиқадиган Масиҳни шундай ном билан аташар эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

9:34 *инс–жинслар ҳукмдори* — Баалзабул номи билан ҳам танилган (12:24 га қаранг). Бу ном шайтон шоҳлигидаги қудратли бир мавжудотга ёки шайтоннинг ўзига ишора қилади.

10:3 *солиқчи* — 5:46 изоҳига қаранг.

10:3 *Таддеюс* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Лебаюс, яъни Таддеюс*. Айрим олимларнинг фикри бўйича, бу исм Ёқуб ўғли Яҳудонинг яна бир исми эди (Луқо 6:16, Ҳаворийлар 1:13 га қаранг). Хоин Яҳудодан ажралиб туриши учун унга Таддеюс исми берилган бўлиши мумкин.

10:4 *ватанпарвар* — бу ном Шимўннинг Рим империясига қаршилик кўрсатган авом халқ ҳаракатининг аъзоси эканига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Ушбу ҳаракат аъзолари сиёсий, иқтисодий ва диний мақсадларни кўзлаган эдилар.

10:5 *Самарияликлар* — яҳудийлар ва Самарияликлар узоқ вақт давомида бир–бирларига душман бўлиб келганлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.

10:8 *тери касаллиги* — 8:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

10:14 *...оёқларингиздаги чангни қоқиб кетинглар* — одамлар Худонинг элчиларини рад этганлари учун, ҳаворийлар оёқларидаги чангни қоқиб кетардилар. Ҳаворий Павлус ҳам шунга ўхшаш ҳаракатни ишлатган (Ҳаворийлар 18:6 га қаранг). Бу ҳаракат ўша одамларнинг аянчли қисматини, яъни Худо томонидан рад этилишини ва Унинг шоҳлигидан бенасиб қолиш хавфини англатарди.

10:15 *Садўм ва Ғамўра шаҳарлари* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

10:25 *Баалзабул, яъни инс–жинслар ҳукмдори* — 9:34 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

10:29 *бир танга* — юнонча матнда *ассарион*, Рим империясидаги мис чақа. Ўн олти *ассарион* бир *динор* қийматига тўғри келарди. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

10:35-36 *Ўғилни отасидан...ажратиш учун келганман. [36] Инсоннинг душманлари ўз уйидагилари бўлади* — Михо 7:6 га қаранг.

10:38 *...ўз хочини олиб...* — Рим империяси даврида ўлим жазосининг бир тури маҳкумни хочга михлаш эди. Бу жазо ҳаммага маълум бўлган. Одатда жиноятчи ўзи михланадиган хочнинг кўндаланг ёғочини ҳукм ижро этиладиган жойга кўтариб олиб борар эди (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХОЧ сўзига қаранг). Исо Масиҳ мана шу тимсол орқали шогирдларини ҳамда Унга ишонганларни ўз манфаатларини кўзламасдан, Унга бутунлай ўзларини бағишлаб ва итоат қилиб ҳаёт кечиришга, ҳаттоки У учун ўлимга ҳам рози бўлишга даъват этади.

11:2 *Яҳё бу пайтда зиндонда эди...* — 14:3-5 га қаранг.

11:2 *шогирдлари* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *шогирдларидан иккитаси*.

11:5 *тери касаллиги* — 8:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

11:10 Малаки 3:1 га қаранг.

11:13 *...ҳамма пайғамбарларнинг битиклари...Таврот китоби...* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади (5:17 изоҳига қаранг).

11:14 *келиши башорат қилинган Илёс* — Малаки 4:5-6 га қаранг.

11:19 *солиқчилар* — 5:46 изоҳига қаранг.

11:19 *...донолик тўғри эканлиги ўз натижасидан аён* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худонинг донолигини тан олганлар Унинг донолиги тўғри эканлигини кўрсатиб турибдилар*.

11:21 *Тир билан Сидон шаҳарлари* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган ғайрияҳудийлар шаҳарлари. Бу шаҳарлар Жалиладан шимоли–ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

11:21 *...қаноргa ўраниб, бошларига кул сочиб...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қаноргa ўраниб олиш ва бошга кул сочиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

11:23 *Садўм* — 10:15 изоҳига қаранг.

11:29 *бўйинтуруқ* — итоаткорлик ва бўйсуниш рамзи.

12:1 *...шогирдлари...донларини еярдилар* — Таврот қонунларига кўра, оч қолган одам бировнинг даласидан бошоқларни узиб, донини ейиши мумкин эди (Қонунлар 23:24-25 га қаранг).

12:2 *Шаббат куни қонунга хилоф иш* — фарзийлар Тавротдаги қонунни (Чиқиш 34:21 га қаранг) ўзларича жиддий шарҳлаб, ҳатто инсон ҳаётига оид икир–чикирларни ҳам қонун даражасига кўтарганлар. Шунинг учун улар Исонинг шогирдлари қилган ишни Шаббат кунига хилоф иш деб ҳисоблаганлар.

12:3 *Довуд ҳамроҳлари билан оч қолганда нималар қилгани* — 1 Шоҳлар 21:1-6 га қаранг.

12:4 *муқаддас нонлар* — Левилар 24:5-9 га қаранг. Яна луғатдаги МУҚАДДАС НОН иборасига қаранг.

12:5 *...руҳонийлар Шаббат қонунини бузсалар ҳам, айбдор бўлмасликларини Тавротда ўқимаганмисизлар?* — Таврот бўйича, Шаббат куни руҳонийлар баъзи бир бурчларини бажариши мумкин эди (Левилар 24:8, Саҳрода 28:9-10 га қаранг).

12:7 Хўшея 6:6 га қаранг.

12:18-21 Ишаё 42:1-4 га қаранг. Муаллиф шу бобнинг 21–оятида Ишаё 42:4 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

12:23 *Довуднинг Ўғли* — 9:27 изоҳига қаранг.

12:24 *инс–жинслар ҳукмдори Баалзабул* — 9:34 изоҳига қаранг.

12:31 *Муқаддас Руҳга куфрлик қилганлар* — Худога ишонишдан бош тортиб, Муқаддас Руҳнинг ишига қаршилик кўрсатаётган инсонларга ишора қилади.

12:39 *Юнус пайғамбарнинг аломати* — Юнусни наҳанг балиқ ютиб юборгандан кейин, Худо уни наҳанг балиқнинг қорнидан халос этганди (Юнус 2:1, 11 га

қаранг). Исо Юнуснинг ҳаётидаги бу воқеани тилга олиб, Ўзининг ўлими ва тирилишига ишора қилмоқда (шу бобнинг 40–оятига қаранг).

12:41 *Найнаво* — Юнус даврида Оссурия шоҳлигининг пойтахти эди. Бу шаҳар Ниневия номи билан ҳам маълум.

12:42 *Жануб маликаси* — Шава маликаси назарда тутилган (3 Шоҳлар 10:1-10 га қаранг).

13:14-15 Муаллиф бу ўринда Ишаё 6:9-10 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

13:31 *хантал уруғи* — ўша замонда одамлар хантал уруғини энг майда уруғ деб билишарди.

13:33 *бир тоғора* — юнонча матнда *уч сатон*, тахминан 22 килога тўғри келади.

13:35 Забур 77:2 га қаранг.

13:54 *она шаҳри* — яъни Носира.

14:1 *вилоят ҳукмдори* — юнонча матнда *тетрарх*. Бу унвон Рим империяси томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳокимияти чекланган ва фақат Рим ҳукумати рухсати билан иш юритадиган ҳукмдорга нисбатан қўлланилган. Авом халқ орасида бундай ҳукмдор шоҳ деб аталар эди (мисол учун, 14:9 га ва Марк 6:14 га қаранг).

14:1 *Ҳирод* — Антипас исми билан ҳам танилган бўлиб, Буюк Ҳироднинг ўғли эди. Антипас Жалила ва Перея ҳудудларида ҳукмронлик қилган.

14:13 *...қайиққа тушиб...* — Жалила кўлида.

14:22 *...кўлнинг нариги томонига...* — Исо ва унинг шогирдлари шу пайтда кўлнинг айнан қайси қисмида бўлганлари аниқ эмас. “Кўлнинг нариги томонига” деган ибора кўлнинг ўша қирғоғидаги бошқа бир жойга қайиқ билан сузиб боришни ҳам билдириши мумкин. Анъанага кўра, Исо бир неча минг кишини тўйдирган бу жой кўлнинг шимоли–ғарб томонида, Жалиладаги Байтсайдага яқин эди.

14:33 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

14:34 *Улар кўлдан сузиб ўтиб...* — шу бобнинг 22–ояти изоҳига қаранг.

14:34 *Генисарет* — Кафарнаҳум шаҳридан жануби–ғарбдаги серҳосил текислик.

15:2 *Нега овқатланишдан олдин қўлларини ювмайдилар?* — фарзийлар ва Таврот тафсирчилари овқатланишдан олдин қўлларининг ювилишига алоҳида эътибор қаратишарди. Айниқса кўчада, одамлар орасида бўлиб келгандан кейин, дастурхонга ўтиришдан олдин урф–одатларга кўра қўлларини ювиб, ўзларини поклаб олишарди.

15:4 Чиқиш 20:12, 21:17, Левилар 20:9, Қонунлар 5:16 га қаранг.

15:8 *Бу халқ Мени тилидагина иззат қилади...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Бу халқ Менга яқинлашар фақат оғизда, Мени тилидагина иззат қилади*.

15:8-9 Муаллиф бу ўринда Ишаё 29:13 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

15:21 *Тир ва Сидон* — 11:21 нинг биринчи изоҳига қаранг.

15:22 *Довуднинг Ўғли* — 9:27 изоҳига қаранг.

15:39 *Магадан* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Магдала*. Магадан Жалила кўлининг ғарбий қирғоғида жойлашган бўлиши мумкин.

16:4 *Юнуснинг аломати* — 12:39-41 оятларга ва 12:39 изоҳига қаранг.

16:5 *Нариги қирғоққа…* — бу ибора кўлнинг ўша қирғоғидаги бошқа бир жойга қайиқ билан сузиб боришни ҳам билдириши мумкин. Бу ўринда шимоли–шарқий қирғоққа ишора бўлса керак.

16:6 *хамиртуруш* — мажозий маънода ишлатилган бўлиб, одатда бошқаларга салбий таъсир кўрсатадиган таълимотлар ва хулқ–атвор назарда тутилган.

16:13 *Филип Қайсарияси* — Жалила кўлидан қарийб 40 километр шимоли–шарқда жойлашган шаҳар.

16:14 *…Илёс…Еремиё…* — Илёс яҳудийларнинг Эски Аҳд даврида яшаган энг буюк пайғамбарларидан бири эди. Яҳудийлар Илёснинг қайтиб келишини интизорлик билан кутишарди (Малаки 4:5-6 га қаранг). Еремиё ҳам Эски Аҳд даврида яшаган, яҳудийларга яхши таниш бўлган пайғамбар эди.

16:16 *Шимўн Бутрус* — Исо Масиҳ Шимўнга Бутрус исмини берган эди (Марк 3:16, Луқо 6:14 га қаранг). Баъзан у ҳақда сўз юритилганда, иккала исм ҳам биргаликда ишлатилади.

16:16 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

16:16 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

16:17 *Юҳанно* — юнонча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Юнус*. Унинг Юҳанно деган шакли Юҳанно 1:42, 21:15-17 дан олинган.

16:18 *Бутрус исминг "қоя" дегани–ку!* — Бутрус исми юнончада *Петрос* бўлиб, маъноси *қоя* демакдир.

16:18 *жамоат* — Исо Масиҳга ишонган одамлар назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЖАМОАТ сўзига қаранг.

16:21 *бош руҳонийлар* — жамиятнинг бошқа эътиборли одамлари қаторида Олий кенгаш аъзолари эдилар. Олий кенгаш яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БОШ РУҲОНИЙЛАР иборасига қаранг.

16:24 *…хочини кўтариб…* — 10:38 изоҳига қаранг.

17:4 *ясайман* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ясайлик*.

17:5 *Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан мамнунман* — 3:17 га ва ўша оятнинг изоҳларига қаранг.

17:10 *…Масиҳдан олдин Илёс келиши керак…* — 16:14 изоҳига қаранг.

17:12 *…Илёс аллақачон келган…* — Яҳё чўмдирувчи назарда тутилган (шу бобнинг 13–оятига қаранг).

17:12 *…уни хоҳлаганича хўрладилар* — Ҳирод Ҳиродиянинг илтимоси билан Яҳёни қандай қилиб қатл қилганига ишора (14:3-11 га қаранг).

17:20-21 *Етарли имонингиз йўқлиги учун…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *имонингиз йўқлиги учун*.

17:20-21 *зиғирдай* — юнонча матнда *хантал уруғидай*. Ўша замонда одамлар хантал уруғини энг майда уруғ деб билишарди.

17:20-21 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги жумла 21–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Бу тоифа жинларни ибодат ва рўзадан бошқа йўл билан қувиб бўлмайди*.

17:24 *Маъбад солиғи* — юнонча матнда *икки драхмалик танга*, яҳудий эркаклари Маъбадга тўлаган солиққа ишора (Чиқиш 30:13-16 га қаранг). Шу бобнинг 27–ояти изоҳига қаранг.

17:25 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн*, Бутруснинг яна бир исми (Марк 3:16, Луқо 6:14 га қаранг).

17:27 *кумуш танга* — юнонча матнда *бир статир*, қиймати тўрт драхмага тенг бўлган кумуш танга, иккита эркак тўлаши керак бўлган Маъбад солиғининг миқдори. Драхма юнон тангаси эди. Қиймати Римдаги бир *динор* қийматига тенг келар эди. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

18:6 *шу кичикларнинг биронтаси* — Исо Масиҳга имон келтирган одамлар, айниқса кичик бола сингари, ожиз ва қаровга муҳтож бўлганлар назарда тутилган.

18:10-11 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 11–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Инсон Ўғли эса адашиб гумроҳ бўлганларни қутқариш учун келган*.

18:16 Қонунлар 19:15 га қаранг.

18:17 *жамоат* — маълум бир жойдаги масиҳийлар гуруҳи назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЖАМОАТ сўзига қаранг.

18:17 *солиқчи* — 5:46 изоҳига қаранг.

18:22 *етмиш карра етти марта* — мажозий маънода ишлатилган ибора, маъноси *ҳар доим*.

18:24 *минг–минглаб тилла танга* — юнонча матнда *ўн минг талант*. Бир талантнинг қиймати мардикорнинг ўн беш йиллик иш ҳақидан ҳам кўпроқ эди.

18:28 *юз кумуш танга* — юнонча матнда *юз динор*. Динор Рим кумуш тангаси бўлиб, мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

19:3 *Қонунга кўра, эркак киши ҳар қандай сабаб билан ўз хотинидан ажралиши мумкинми?* — Қонунлар 24:1 да ёзилган қонуний ажралишнинг сабаблари ҳақида яҳудий олимлари кўп баҳслашардилар. Баъзи олимлар Қонунлар 24:1 даги “уятли қилиқ”ни зино деб талқин қилган ҳолда, фақатгина хотин зино қилганда ажрашиш мумкин, деб айтишарди. Бошқа баъзи олимларнинг фикри бўйича, хотин эрга бирор сабабга кўра ёқмай қолса, эр хотини билан ажрашиши мумкин эди. Улар Қонунлар 24:1 даги “уни ёқтирмай қолса” иборасига урғу берганлар. Исо Масиҳнинг таълимотига кўра эса Худонинг асл мақсади шу эдики, эр ва хотин никоҳи бузилмасин, улар асло ажрашмасин (шу бобнинг 4-6–оятларига қаранг). Аммо Исо ҳам Мусонинг қонунларида берилган, бевафолик сабаби билангина ажралиш мумкин, деган фикрига қўшилар эди (шу бобнинг 8-9–оятларига қаранг).

19:4 Ибтидо 1:27, 5:2 га қаранг.

19:5 Ибтидо 2:24 га қаранг.

19:7 *…Мусо…амр берган* — Қонунлар 24:1 га қаранг.

19:9 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар Исонинг гапига қўшимча қилинган: *шунингдек, эридан ажралган хотинга уйланган ҳам зино қилган бўлади*.

19:16 *Устоз!* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Валинеъмат Устоз!*

19:17 *Нега Мендан яхши иш тўғрисида сўраяпсиз? Фақатгина Худо яхши–ку!* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Нега Мени валинеъмат дейсиз? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас–ку!*

19:18-19 Чиқиш 20:12-16, Қонунлар 5:16-20, Левилар 19:18 га қаранг.

19:28 *…ҳамма нарса янгиланганда…* — Ваҳий 21:1-5 га қаранг.

20:2 *бир кумуш танга* — юнонча матнда *бир динор*, Рим кумуш тангаси. Шу бобнинг 9, 10, 13–оятларида ҳам бор.

20:7 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар боғ эгасининг гапига қўшимча қилинган: *тегишли ҳақингизни оласизлар*.

20:16 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар Исонинг гапига қўшимча қилинган: *Ахир, даъват этилганлар кўп, аммо танланганлар оздир*.

20:19 *ғайрияҳудийлар* — ўша даврда Яҳудияда ҳукмронлик қилган Рим империяси амалдорларига ишора.

20:20 *икки ўғли* — яъни Ёқуб ва Юҳанно.

20:21 *Сизнинг ўнг томонингиз* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

20:22 *азоб косаси* — юнонча матнда *коса*, Исонинг азоблари ва хочдаги ўлимига ишора (шу бобнинг 17-19–оятларига қаранг). “Косадан ичмоқ” ибораси азоб–уқубат тортиб, жазо олиш маъносини билдиради (мисол учун, Забур 74:9, Ишаё 51:17, Еремиё 25:15 га қаранг).

20:22 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар Исонинг гапига қўшимча қилинган: *Мен бошдан кечирадиган қайғу–аламларга ботиб чидай оласизларми?*

20:23 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар Исонинг гапига қўшимча қилинган: *бошдан кечирадиган қайғу–аламларимга ўзингиз ҳам дучор бўласизлар*.

20:30 *Довуд Ўғли* — 9:27 изоҳига қаранг.

21:1 *Зайтун тоғи* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонидаги тепалик.

21:5 *Қуддус халқи* — юнонча матнда *Қиз Сион*, Қуддус аҳлига нисбатан қўлланган шеърий усул. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

21:5 Закариё 9:9 га қаранг. Яна Ишаё 62:11 га қаранг.

21:9 *Довуд Ўғли* — 9:27 изоҳига қаранг.

21:9 *Эгамиз номидан келаётган Инсон барака топсин!* — Забур 117:26 га қаранг.

21:12 *Саррофлар* — пул айирбошловчилар. Улар Рим ва Юнон тангаларини яҳудийларнинг шақалига алмаштирганлар. Маъбад солиғини тўлаш ва қурбонлик қилинадиган ҳайвонларни сотиб олиш учун шақал ишлатилган.

21:13 Ишаё 56:7 га қаранг.

21:13 *қароқчилар уяси* — Еремиё 7:11 га қаранг.

21:16 Муаллиф бу ўринда Забур 8:3 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

21:17 *Байтания қишлоғи* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонида жойлашган эди.

21:31 *Солиқчилар* — 5:46 изоҳига қаранг.

21:33 *узум сиқиш чуқури* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

21:42 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

21:42 Забур 117:22-23 га қаранг.

21:44 *бу тамал тоши* — Исо бу сўзни рамзий маънода ишлатган бўлиб, Ўзини назарда тутган.

22:16 *Ҳирод тарафдорлари* — Буюк Ҳироднинг авлодлари ҳукмронлигини қўллаб–қувватлаган яҳудийларнинг бир гуруҳи. Буюк Ҳирод ва унинг ўғли Ҳирод Антипас (14:1 га қаранг) ҳокимияти чекланган бўлиб, фақат Рим ҳукумати рухсати билан иш юритарди. Фарзийлар Рим ҳукуматига қаттиқ қаршилик кўрсатар, аммо Ҳирод тарафдорлари Рим ҳукмронлигини қўллаб–қувватлар эдилар.

22:17 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон. Бу ўринда Қайсар Тиберийга ишора қилинган. У милодий 14-37 йилларда ҳукмронлик қилган.

22:17 *...Қайсарга солиқ тўлашимиз...* — яҳудийлар Рим босқинчиларидан ғоят нафратланганлари учун, уларга солиқ тўлашни асло истамас эдилар. Бироқ солиқ тўламаслик катта муаммоларни келтириб чиқарар эди.

22:19 *динор* — Рим кумуш тангаси. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

22:24 *...Мусо айтган эдики...* — Қонунлар 25:5-6 га қаранг.

22:29 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

22:32 Чиқиш 3:6 га қаранг.

22:37 Қонунлар 6:5 га қаранг.

22:39 Левилар 19:18 га қаранг.

22:40 *Бутун Тавврот ва пайғамбарларнинг ҳамма битиклари* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади (5:17 изоҳига қаранг).

22:42 *Довуднинг Ўғли* — 9:27 изоҳига қаранг.

22:44 *Менинг ўнг томоним* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

22:44 Забур 109:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

23:5 *Пешаналарига таққан нишоналари…кийимларининг попуклари…* — бу нишона ва попукларни эркаклар ўзларининг Худога бағишланганларини кўрсатиш учун тақиб юрардилар. Нишона одатда теридан тикилган кичкина қути бўлиб, унинг ичида Тавротдан ёзиб олинган муҳим оятлар бор эди. Худо Ўз халқига, Менинг амрларимни ёдда тутиб, уларга риоя қилинглар, амрларимни фарзандларингизга ўргатинглар, деб попуклар осиб юришни ва нишоналар тақиб юришни буюрган эди (Саҳрода 15:37-40, Қонунлар 6:8, 11:18 га қаранг). Исо Масиҳ бу амрга итоат этишни эмас, балки инсон юрагидаги мағрурликни, гуноҳга мойил бўлган ўй–хаёлларни айб деб биларди.

23:13-14 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 14–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар иккиюзламачисизлар! Ахир, сизлар беваларнинг уй–жойларини тортиб оласизлар, хўжа кўрсинга узоқ дуо ўқийсизлар. Шунинг учун ниҳоятда қаттиқ жазога мубтало бўласизлар.*

23:23 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Левилар 27:30-33, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

23:24 *…ичимлигингиздан чивинни сузиб оласизлар…* — ҳаром бўлиб қолмаслик учун улар ҳатто энг кичкина ҳашаротни сузиб олардилар (Левилар 11:20-23 га қаранг), аммо ҳаром бўлган туяни бутунлигича ютиб юборардилар (Левилар 11:4 га қаранг).

23:27 *…оҳакланган қабрларга ўхшайсизлар…* — яҳудийлар қабрларни ҳаром деб билишарди, шунинг учун қабрга тегиб кетган одам ҳам ҳаром бўларди (Саҳрода 19:16 га қаранг). Фарзийлар ташқи тозалик, диний покликка риоя қилиб, ҳақиқий солиҳликка эътиборсиз бўлганлари учун Худонинг назарида нопок эдилар. Уларнинг урф–одатлари нафақат ўзларини, балки уларнинг урф–одатларига риоя қилган ҳамма одамни булғар эди.

23:35 *…Ҳобил…Закариё…* — Эски Аҳдда баён қилинган воқеаларга кўра, биринчи ўлдирилган инсон — Ҳобил, охирги ўлдирилган инсон эса Закариё эди (Ибтидо 4:8, 2 Солномалар 24:20-22 га қаранг).

23:39 Забур 117:26 га қаранг.

24:2 *…булар вайрон бўлади* — милодий 70 йилда Тит бошчилигида Рим қўшини Қуддусни ва у ердаги Маъбадни бутунлай вайрон қилган.

24:3 *Зайтун тоғи* — 21:1 изоҳига қаранг.

24:15 *макруҳ бир нарса* — Дониёр 9:27 га ва ўша оятнинг охирги изоҳига қаранг. Яна Дониёр 11:31, 12:11 га қаранг.

24:17 *Томнинг устида бўлганлар* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

24:20 *…Шаббат кунига тўғри келмаслиги учун…* — ўша даврда яҳудийларнинг Шаббат куни ҳақидаги қонунни шарҳлашлари бўйича, Шаббат кунида фақатгина тахминан бир чақирим жойгача юриш мумкин эди. Агар қочиш Шаббат кунига тўғри келиб қолса, уларнинг аҳволи янада қийинлашарди. Тўлиқроқ маълумотга

эга бўлиш учун луғатдаги ШАББАТ КУНИ иборасига қаранг.

24:28 *Калхатлар…шу сингари, ҳаммага аён бўлади* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Мурда қаерда бўлса, калхатлар ҳам ўша ерда тўпланади*.

24:29 Ишаё 13:10, 34:4 га қаранг.

24:30 *Инсон Ўғли…булутларда келади* — Дониёр 7:13-14 га қаранг.

24:33 *ўша вақт* — ёки *Инсон Ўғли*.

24:36 *Ўғил ҳам…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида бу сўзлар йўқ.

24:37 *Нуҳ даврида* — Ибтидо 6:5-7:23 га қаранг.

25:15 *…беш минг тилла…икки минг тилла…минг тилла…* — юнонча матнда *…беш талант…икки талант…бир талант…* (шу бобнинг 16-28–оятларида ҳам бор). Бир талантнинг қиймати мардикорнинг ўн беш йиллик иш ҳақидан ҳам кўпроқ эди.

25:30 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Буларни айтиб, Исо хитоб қилиб деди: "Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!"*

26:2 *Фисиҳ зиёфати* — Фисиҳ зиёфатига ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрамига ишора (Марк 14:1, Луқо 22:1 га қаранг). Бу байрамлар Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланар эди (Чиқиш 12:1-42, 13:3-10 га қаранг).

26:6 *Байтания* — 21:17 изоҳига қаранг.

26:6 *тери касаллиги* — 8:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

26:6 *илгари тери касаллигига чалинган Шимўн* — бу одам ҳақида фақатгина шу оятда ва Марк 14:3 да айтиб ўтилган. Бу Шимўн Исодан шифо топгани билан танилган бўлиши мумкин.

26:7 *ганч* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз нақкошликда қўлланиладиган оқиш ёки сарғиш рангли тошни билдиради. Одатда бу тошдан ясалган идишларда атир мойни узоқ вақт давомида сақласа бўларди.

26:12 *Аёл…Мени дафнга тайёрлади* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра жасад дафн қилинишидан олдин унга хушбўй ҳидли зираворлар ва мойлар суртилар эди (Луқо 23:55-56, Юҳанно 19:38-40 га қаранг). Аёл қилган ишининг маъносини ўзи тушунганми ёки йўқми, аниқ эмас, аммо Исо айтадики, унинг бу ҳаракати Исонинг ўлими яқинлашиб қолганини билдирарди (яна шу бобнинг 2–оятига қаранг).

26:17 *Хамиртурушсиз нон байрами* — шу бобнинг 2–ояти изоҳига қаранг.

26:28 *аҳд* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *янги аҳд*. Исо Масиҳ бутун одамзоднинг гуноҳини Ўз бўйнига олиб, хочда ўлди. Шу орқали янги аҳдни кучга киритди (Ибронийлар 8:6-13, 9:11-17 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги АҲД сўзига қаранг.

26:30 *Зайтун тоғи* — 21:1 изоҳига қаранг.

26:31 Закариё 13:7 га қаранг.

26:36 *Гетсемания* — Зайтун тоғининг ғарбий ён бағридаги боғ.

26:37 *Забадиёнинг икки ўғли* — яъни Ёқуб ва Юҳанно.

26:39 *бу азоб косаси* — юнонча матнда *коса*. 20:22 нинг биринчи изоҳига қаранг.

26:41 *...васвасага тушиб қолмайлик, деб ибодат қилинглар* — Исо Ўз шогирдларини ҳадемай синов пайти бошланиши ҳақида огоҳлантиряпти (шу бобнинг 31-35–оятларига қаранг). Ўша пайтда улар васвасага тушиб, Исо Масиҳдан юз ўгиришлари мумкин эди.

26:53 *ўн минглаб* — юнонча матнда *ўн икки легиондан кўпроқ*, маъноси *минглар*. Бу юнонча сўз Римликларнинг ҳарбий терминидан олинган бўлиб, 6000 аскардан иборат бўлган бўлинма маъносини ифодалайди.

26:54 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

26:59 *Олий кенгаш* — яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОЛИЙ КЕНГАШ иборасига қаранг.

26:59 *...Исони ўлимга маҳкум қилиш учун Унга қарши сохта далиллар излар эдилар* — Таврот қонунига кўра, бирортасини ўлимга маҳкум қилиш учун, жиноятни исботлайдиган камида иккита гувоҳ бўлиши керак эди (Қонунлар 17:6 га қаранг).

26:61 *Бу Одам...деган* — Юҳанно 2:18-22 га қаранг.

26:63 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

26:64 *Қодир Худонинг ўнг томонида ўтиргани* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

26:64 *...Инсон Ўғлини...осмон булутларида келаётганини кўрасизлар* — Дониёр 7:13 га қаранг.

26:65 *...ўз кийимларини йиртиб...* — олий руҳоний бу ҳаракати билан Исонинг айтган сўзларидан дарғазаб бўлганини кўрсатди.

26:73 *шеванг* — Жалилаликларнинг шеваси ўзгача бўлиб, Яҳудияликлар уларга паст назар билан қарар эдилар.

27:2 *ҳоким Пилат* — Рим ҳукумати томонидан Яҳудия вилоятига тайинланган ҳоким.

27:7 *кулолнинг даласи* — кулолга тегишли бўлган далага ишора бўлиши мумкин. Аммо бу ибора кулоллар лой оладиган жойга ёки кулоллар ишлайдиган жойга ёки эски, синган сопол идишлар ташланадиган жойга нисбатан ҳам ишлатилган бўлиши мумкин.

27:9-10 *Еремиё пайғамбарнинг башорати* — мазкур оятлардаги қўштирноққа олинган парчада Закариё 11:12-13 да баён қилинган ғоялар ва Еремиё пайғамбарнинг ҳаётида содир бўлган воқеалар бирга қўшилган (Еремиё 19:1-13 га қаранг).

27:15 *Фисиҳ байрами* — 26:2 изоҳига қаранг.

27:16 *Ёшуа* — юнонча матнда *Иисус*, бу исм ибронийча *Ёшуа* исмидан олинган. Шу бобнинг 17–оятида ҳам бор.

27:16 *Ёшуа Бараббас* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Бараббас*. Шу бобнинг 17–оятида ҳам бор.

27:24 *Бу Одам* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бу солиҳ Одам*.

27:32 *Киринея* — бу шаҳар Ўрта ер денгизи бўйида, ҳозирги Ливия мамлакатининг ҳудудида жойлашган эди.

27:32 *хоч* — бу ўринда хочнинг кўндаланг ёғочига ишора қилинган. Ўлимга

маҳкум қилинган инсон бу ёғочни ҳукм ижро қилинадиган жойгача ўзи кўтариб бориши керак эди. Бундан олдин Исони аёвсиз қамчилашгани учун (шу бобнинг 26–оятига ва Марк 15:15, Юҳанно 19:1 га қаранг), У шу қадар ҳолдан тойган эдики, эҳтимол, хочни Ўзи кўтаришга мадори қолмаган бўлса керак.

27:34 *аччиқ ўт* — хочга михланадиган одамларнинг азобини оз бўлса–да, камайтириш учун бериладиган дори бўлиши мумкин.

27:35 *Кийимлари учун қуръа ташлаб, ўзаро бўлишиб олишди* — Забур 21:19 га қаранг.

27:39 *...бошларини чайқаб, Исони ҳақоратлашарди* — Забур 21:8 га қаранг.

27:40 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

27:43 *У Худога ишонарди...ҳозир Уни қутқарсин* — Забур 21:9 га қаранг.

27:45 *Туш...соат уч...* — юнонча матнда *Олтинчи соат...тўққизинчи соат...*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайтлари ўша соатлар билан белгиланар эди.

27:46 *Эли, Эли, ламо шавақтани? — Эли* — ибронийча сўз, *ламо шавақтани* орамийча иборадир.

27:46 Забур 21:2 га қаранг.

27:47 *Илёс* — иброний тилида *Элийаҳ*. Бу исм олдинги оятдаги *Эли* сўзига оҳангдош.

27:48 *арзон шароб* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз авом халқ кунда ичадиган нордон шаробга ишора қилади. Бу шароб Рим аскарлари учун ўша ерга олиб келинган бўлиши мумкин.

27:49 *...Илёс келиб...* — 16:14 изоҳига қаранг.

27:51 *Маъбаддаги парда* — шоҳ Ҳирод қайта қурган Маъбадда иккита парда бор эди. Парданинг бири Маъбаднинг кираверишида осилган, иккинчиси эса Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан ажратиб турар эди. Бу оятда Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан ажратиб турадиган парда назарда тутилган. Маъбаддаги парданинг йиртилиши Исо туфайли одамларга Худонинг ҳузурига йўл очилганидан далолат беради (Юҳанно 4:19-24, Ибронийлар 9:1-10, 10:19-22 га қаранг).

27:56 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

27:56 *Забадиё ўғиллари* — яъни Ёқуб ва Юҳанно.

27:57 *Оқшом тушаётган пайтда...* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди. Жума куни тугаётгани учун Юсуф жасадни Шаббат куни бошланмасидан олдин қабрга қўймоқчи бўлган (Луқо 23:50-56 га қаранг).

27:57 *Ариматея* — Қуддусдан 35 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар.

27:61 *бошқа Марям* — шу бобнинг 56–оятига қаранг.

27:64 *биринчиси* — улар Исонинг Масиҳ эканлигига ишонмас эдилар, бу ҳақдаги гапларни ёлғон, деб ҳисоблардилар.

28:1 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

28:1 *бошқа Марям* — 27:56 га қаранг.

28:14 *ҳоким* — яъни Пилат (27:2 изоҳига қаранг).

28:15 *бугунги кунгача* — шу китоб ёзилган вақтга ишора.

28:20 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

МАРК

БАЁН ЭТГАН МУҚАДДАС ХУШХАБАР

Кириш

Мазкур китоб Янги Аҳд таркибидаги тўртта Хушхабарнинг иккинчисидир. Марк китоби Хушхабар китоблари орасида энг қисқаси бўлиб, Исонинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади. Бу китоб муаллифи Маркдир. У ҳаворий Бутруснинг ваъзлари ва таълимотига асосланган ҳолда, Исонинг сафарлари ва кўрсатган ақл бовар қилмас мўъжизалари ҳақида баён қилади. Китоб Исонинг хочдаги ўлими ва тирилиши ҳақидаги воқеалар билан якунланади.

Марк Исонинг қудрати ва ҳокимиятига алоҳида урғу беради. У Исони Худонинг Ўғли* деб таъкидлаб, Исо улуғ Устоз, тенги йўқ Шифокор эканини, ҳатто шайтон, жинлар ва ўлим ҳам Унга бўйсунишини ҳикоя қилади. Исо табиат ҳодисалари, гуноҳ, диний удумлар ва Маъбаддаги тартиб устидан Ҳукмрон эканини муаллиф кўрсатади. Исо одамларга шифо бергани ҳақида Марк такрор–такрор баён қилади, бу мўъжизаларнинг ҳаммасини Исо Худонинг қудрати билан қилганини муаллиф таъкидлайди.

Дин арбоблари Исонинг таълимотини қабул қилишмайди. Бу эса Исо ва уларнинг орасида зиддият туғдиради (2:2-3:6). Оқибатда улар Исони ўлдириш пайига тушадилар (11:18).

Бу китоб Исонинг шогирдларини ва оломонни ҳайратга солган мўъжизаларга бой бўлса–да, мазкур Хушхабарга кўра, Исонинг энг қудратли иши Унинг хочда тортган азоби ва ўлимидир. Буни англаган биринчи одам Рим аскари бўлади, у Исонинг хочда ўлганини кўриб: “Бу Одам ҳақиқатан ҳам Худонинг Ўғли экан!” деб тан олади (15:39).

Тўртта Хушхабар орасида Марк баён этган Хушхабар биринчи бўлиб ёзилган, деган фикр кенг тарқалган. Мазкур Хушхабардаги кўплаб орамийча сўзлар ва яҳудийча одатларнинг изоҳи шундай фикрга олиб келади: Марк бу китобини ғайрияҳудий халқлардан бўлган масиҳийлар учун ёзган. Муаллиф Исо тўғрисида ҳикоя қилганда, китобхонни Исонинг қудратига ишонтиришга ҳаракат қилади. Зотан, Унинг қудрати одамларни хасталиклардан, жинлардан ва ўлимдан халос қила олади. Шунингдек, Марк имондаги янги ҳаёт енгил эмаслигини эслатиб қўйишни хоҳлайди. Имонлилар Исога эргашиб, бошқаларга хизмат қилишлари ва Исо сингари азоб–уқубат тортишга тайёр бўлишлари кераклигини айтади.

1–БОБ

Яҳё чўмдирувчининг ваъзи

1 Худонинг Ўғли* Исо Масиҳ тўғрисидаги Хушхабар шундай бошланади. 2 Ишаё
пайғамбарнинг китобида ёзилганки:

“Мана, Сендан олдин Мен Ўз элчимни юборяпман,
У Сен учун йўлни ҳозирлайди*.
3 Чўлда бир овоз янграмоқда:
«Эгамизга йўл ҳозирланг,
Унга тўғри йўл очинг!»”*

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

4 Дарвоқе, Яҳё чўмдирувчи чўлда* одамларга: “Гуноҳларингиздан тавба қилиб,
сувга чўминглар, шунда Худо гуноҳларингизни кечиради”, деб ваъз қила
бошлади*. 5 Қуддус аҳолиси ва Яҳудия ўлкасининг қолган ҳамма жойларидан
келган одамлар Яҳёнинг олдига боришарди. Улар гуноҳларини эътироф этишар,
Яҳё уларни Иордан дарёсида чўмдирар эди.
6 Яҳёнинг кийимлари туя жунидан тўқилган бўлиб, белига чарм камар*
боғлаган эди. У чигиртка ва ёввойи асал ерди. 7 У халққа шундай деб эълон
қиларди: “Мендан ҳам қудратлироқ бўлган бир Зот ортимдан келмоқда. Мен
энгашиб Унинг чориқ ипларини ечишга ҳам арзимайман. 8 Мен сизларни сувга
чўмдиряпман, У эса сизларни Муқаддас Руҳга чўмдиради.”

Исо сувга чўмдирилади

9 Ўша кунлари Исо Жалила ҳудудининг Носира шаҳридан Яҳё олдига келди.
Яҳё Уни Иордан дарёсида чўмдирди. 10 Сувдан чиқиши биланоқ Исо осмоннинг
очилиб кетганини ва Муқаддас Руҳ Унинг устига каптардай тушиб келганини
кўрди. 11 Осмондан эса: “Сен Менинг севикли Ўғлимсан*, Сендан ниҳоятда
мамнунман*” деган овоз эшитилди.

Исо васвасага солинади

12 Муқаддас Руҳ Исони дарҳол саҳрога бошлаб кетди. 13 Исо саҳрода қирқ кун
бўлиб, шайтон томонидан васвасага солинди. Исо ёввойи ҳайвонлар орасида
яшаб, фаришталар Унга хизмат қилишарди.
14 Яҳё ҳибсга олингандан кейин*, Исо Жалилага бориб, Худонинг Хушхабарини
ваъз қилди: 15 “Вақт–соати етди. Худонинг Шоҳлиги* яқинлашди! Тавба
қилинглар, Хушхабарга ишонинглар!”

Исонинг дастлабки шогирдлари

16 Исо Жалила кўли бўйлаб ўтаётиб, Шимўн* ва унинг укаси Эндрусни кўриб
қолди. Улар балиқчи бўлиб, кўлга тўр ташлаётган эдилар. 17 Исо уларга деди:
“Ортимдан юринглар. Мен сизларга одамларни овлашни ўргатаман.” 18 Улар ўша
заҳотиёқ тўрларини ташлаб, Исога эргашдилар.
19 Исо бир оз нари юргач, Забадиёнинг ўғиллари Ёқуб ва Юҳаннони кўриб
қолди. Улар қайиқда тўрларини ямаб ўтиришган эди. 20 Исо шу онда уларни ҳам
чақирди. Улар оталари Забадиёни ва ёлланма ишчиларни қайиқда қолдириб,
Исога эргашдилар.

Жинга чалинган одам

21 Улар Кафарнаҳум шаҳрига кириб боришди. Шаббат куни Исо синагогага
кириб, таълим бера бошлади. 22 Халойиқ Исонинг таълимотини эшитиб, ҳайратда
қолди, чунки У одамларга Таврот тафсирчиларидай* эмас, балки ҳокимият эгаси
каби таълим берар эди*.
23 Ўша синагогада ёвуз руҳга чалинган бир одам бор эди. У тўсатдан қичқириб
юборди:
24 — Эй Носиралик Исо! Бизни тинч қўй! Сен бизни ҳалок қилгани келдингми?
Сенинг кимлигингни биламан: Сен Худонинг Азизисан!
25 Бироқ Исо жинга дўқ уриб:
— Жим бўл! Ундан чиқиб кет! — деди.
26 Ёвуз руҳ у одамни қаттиқ силтади, овози борича бақириб, унинг ичидан
чиқиб кетди. 27 Одамлар ҳайратланиб, бир–бирларидан сўрай бошладилар:
— Бу нимаси? Ҳокимиятга эга бўлган янги таълимот–ку! У ёвуз руҳларга
буйруқ беради, ёвуз руҳлар эса Унга бўйсунади–я!

28 Шундай қилиб, Исонинг шуҳрати бутун Жалила ҳудуди бўйлаб ёйила бошлади.

Исо кўп одамларни соғайтиради

29 Исо, Шимўн, Эндрус, Ёқуб, Юҳанно синагогадан чиқиб, тўғри Шимўн ва Эндруснинг уйига бордилар. 30 Шимўннинг қайнанаси иситмалаб, тўшакда ётган эди. Исо келиши биланоқ Унга бу ҳақда айтишди. 31 Исо аёлнинг ёнига борди, қўлидан тутиб, ўтирғизиб қўйди. Шунда аёлнинг иситмаси тушди, у меҳмонларга хизмат қила бошлади.

32 Қуёш ботиб кеч кирган пайтда*, одамлар хасталарни ва жинга чалинганларни Исонинг олдига олиб келишди. 33 Бутун шаҳар аҳолиси эшик олдига йиғилди. 34 Исо турли дарду иллатлардан қийналган кўп одамларни соғайтирди. Кўпларнинг ичидан жинларни қувиб чиқарди. Жинларнинг гапиришига ижозат бермасди, чунки жинлар Исонинг кимлигини билишарди.

Исо Жалиладаги синагогаларда ваъз қилади

35 Эртаси куни саҳарда, тонг ёришмасдан олдин, Исо ўрнидан туриб, уйдан чиқиб кетди. Кимсасиз жойга бориб, ибодат қилди. 36 Шимўн ва бошқалар Исони қидириб кетдилар. 37 Исони топиб:

— Ҳамма Сизни излаб юрибди! — дедилар. 38 Исо уларга:

— Яқин атрофдаги қишлоқларга борайлик, Мен у ерларда ҳам воизлик қилай, чунки Мен ана шу мақсадда келганман, — деди.

39 Шундай қилиб, Исо бутун Жалила ҳудудини кезиб, у ердаги синагогаларда воизлик қилар ва одамларнинг ичидан жинларни қувиб чиқарар эди.

Тери касаллигига чалинган одамни Исо соғайтиради

40 Тери касаллигига* чалинган бир одам Исонинг олдига келди. У тиз чўкиб, ялинди:

— Биламан, агар истасангиз, мени бу касалликдан поклай оласиз.

41 Исонинг унга раҳми келиб, қўлини узатди ва унга теккизиб:

— Истайман, пок бўл! — деди.

42 Шу заҳоти ўша одам касаллигидан форғ бўлиб, покланди. 43-44 Исо уни қатъий огоҳлантириб деди:

— Менга қара! Бу тўғрида бировга оғиз оча кўрма. Бориб, ўзингни руҳонийга* кўрсат. Покланганингни ҳаммага исбот қилиш учун* Мусо амр қилган қурбонликларни келтир*.

Шу сўзлар билан Исо уни дарҳол жўнатиб юборди.

45 Ўша одам эса кетаётиб, рўй берган ҳодисани бемалол ҳар ёққа ёя бошлади. Шу боис Исо бирор шаҳарга очиқчасига бора олмай қолди. Аксинча, шаҳардан ташқарида, кимсасиз жойларда яшайдиган бўлди. Шунга қарамай, халойиқ ҳар томондан Унинг олдига келар эди.

2–БОБ

Исо шолни соғайтиради

1 Бир неча кундан кейин Исо яна Кафарнаҳум шаҳрига келди. Унинг келгани тўғрисидаги хабар тезда шаҳарга тарқалди. 2 Шу қадар кўп одам йиғилдики, Исо ўтирган уйнинг* ҳатто эшиги олдида ҳам жой қолмади. Исо халққа Худонинг сўзини ўргатаётган эди. 3 Шу орада тўрт киши бир шол одамни кўтариб келдилар. 4 Оломон кўплигидан улар шолни Исонинг олдига олиб бора олмай, уйнинг томидан тешик очдилар*. Шолни тўшаги билан Исонинг олдига туширдилар.

5 Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга:
— Ўғлим, гуноҳларинг кечирилди, — деди.
6 Бу ерда баъзи Таврот тафсирчилари ўтирган эдилар. Улар ичларида шундай
деб ўйлаган эдилар: 7 “Нега бу Одам бундай деяпти? Бу куфрлик–ку! Худодан
бошқа ҳеч ким гуноҳларни кечира олмайди!” 8 Исо шу онда уларнинг
ўй–фикрларини билиб, деди:
— Нега бундай нарсаларни ўйлайсизлар? 9 Қайси бири осонроқ? Шолга:
“Гуноҳларинг кечирилди”, деб айтишми ёки: “Ўрнингдан тур, тўшагингни
олгин–да, юр!” деб айтишми? 10 Инсон Ўғлига* ер юзида гуноҳларни кечириш
ҳокимияти берилган. Ҳозир шуни билиб оласизлар.
У шундай деди–ю, шолга:
11 — Сенга айтаман: ўрнингдан тур! Тўшагингни олиб, уйингга бор! — деб
буюрди.
12 Шол одам ўрнидан турди, дарҳол тўшагини олиб, ҳамманинг кўзи олдида
чиқиб кетди. Ҳамма ҳайратга тушиб: “Бунақасини ҳеч қачон кўрмаган эдик”, деб
Худони улуғлар эдилар.

Исо Левини чақиради

13 Исо яна Жалила кўли бўйига чиқди. Тумонат халойиқ Унинг олдига
тўпланди. Исо уларга таълим берди.
14 Исо кўл бўйлаб юраркан, солиқ йиғадиган жойда ўтирган Халфей ўғли
Левини* кўриб қолди. Исо унга:
— Ортимдан юр! — деди. Леви ўрнидан туриб, Исога эргашди.
15 Бир оздан кейин Исо Левининг уйида меҳмон бўлди. Исога эргашган кўп
солиқчилар* ва гуноҳкорлар ҳам Унинг шогирдлари қаторида дастурхон
атрофида ўтирардилар. 16 Исо гуноҳкорлар ва солиқчилар билан бирга
овқатланиб ўтирганини фарзий* мазҳабидан бўлган баъзи Таврот тафсирчилари
кўриб, Унинг шогирдларига:
— Бу қандай гап? У солиқчилару гуноҳкорлар билан бирга овқатланиб
ўтирибди–ку! — дейишди. 17 Исо буни эшитиб, шундай жавоб берди:
— Мен солиҳларни эмас, гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман. Ахир,
соғлар эмас, хасталар табибга муҳтождир.

Рўза тутиш ҳақида савол

18 Яҳёнинг ҳам, фарзийларнинг ҳам шогирдлари рўза тутишар эди. Баъзи
одамлар Исонинг ёнига келиб:
— Нега Яҳёнинг шогирдлари ва фарзийларнинг шогирдлари рўза тутади–ю,
Сизнинг шогирдларингиз тутмайди? — деб сўрашди. 19 Исо уларга деди:
— Тўйда меҳмонлар рўза тута оладиларми? Албатта, йўқ! Куёв улар билан
бирга бўлганда, улар рўза тута олмайдилар. 20 Бироқ улар куёвдан жудо
бўладиган кунлар келади, ана ўшанда рўза тутадилар. 21 Ҳеч ким эски кийимга
янги матодан ямоқ солмайди. Акс ҳолда, янги ямоқ эски кийимни баттар йиртиб
юборади. 22 Шунингдек, ҳеч ким янги шаробни эски мешга қуймайди. Чунки янги
шароб мешни ёриб юборади*, шароб ҳам, меш ҳам исроф бўлади. Аксинча, янги
шаробни янги мешга қуймоқ даркор.

Шаббат кунига риоя қилиш ҳақида

23 Шаббат кунларининг бирида Исо буғдойзордан ўтиб кетаётган эди. Унинг
шогирдлари йўл–йўлакай бошоқларни уза бошладилар*. 24 Буни кўрган
фарзийлар Исога:
— Қара, нега улар Шаббат куни қонунга хилоф иш* қиляптилар? — дейишди.

25 Исо уларга деди:
— Довуд ҳамроҳлари билан оч қолиб, овқатга муҳтож бўлганда нималар қилганини* наҳотки сизлар ҳеч ўқимаган бўлсангиз?! 26 У олий руҳоний Абуатар* замонида Худонинг уйига кириб, муқаддас нонларни* еган. Ҳатто ҳамроҳларига ҳам берган. Қонунга мувофиқ эса бундай нонларни фақат руҳонийлар ейишга ҳақли эдилар–ку!
27 Кейин Исо давом этди:
— Инсон Шаббат куни учун эмас, балки Шаббат куни инсон учун яратилган. 28 Шу боис, Инсон Ўғли Шаббат кунининг ҳам Ҳокимидир.

3–БОБ

Қўли шол одамни Исо соғайтиради

1 Бошқа бир куни Исо синагогага кирди. У ерда қўли шол бир одам бор эди. 2 Исони айбламоқчи бўлган баъзи одамлар*: “Исо Шаббат куни ҳам бу одамга шифо берармикан”, деб Уни кузатиб турардилар.
3 Қўли шол одамга Исо:
— Олдинга чиқ! — деди. 4 Сўнг халойиқдан сўради:
— Қонунга мувофиқ Шаббат куни яхшилик қилиш керакми ёки ёмонликми? Жонни халос қилиш керакми ёки ҳалок қилишми?
Улар эса индамай туравердилар.
5 Исо одамларнинг бундай бағри тошлигидан ранжиб, атрофга ғазаб билан қаради. Сўнгра ўша одамга:
— Қўлингни узат! — деди.
У одам қўлини узатиши биланоқ, қўли соппа–соғ бўлиб қолди. 6 Фарзийлар эса дарров ташқарига чиқиб: “Исони қандай қилиб ўлдирсак экан?” деб Ҳирод тарафдорлари* билан тил бириктиришди.

Кўл бўйидаги оломон

7-8 Исо шогирдлари билан Жалила кўли томонга кетди. Унга бир талай оломон эргашди. Унинг қилган ишлари тўғрисида эшитган бу одамлар Жалиладан, Яҳудиядан, Қуддусдан, Идумея ҳудудидан, Иордан дарёсининг шарқидаги ерлардан, шунингдек, Тир ва Сидон атрофидаги ҳудудлардан келган эдилар.
9 Одам кўплигидан оёқ остида қолиб кетмай деб, Исо шогирдларига қайиқ тайёрлаб қўйишни буюрди. 10 Исо кўпчиликка шифо бергани учун, ҳамма хасталар Исога қўлларини теккизмоқчи бўлиб, У томон ёпирилишарди. 11 Ёвуз руҳга чалинган одамлар эса Исони кўрган заҳоти, Унинг оёқларига йиқилиб: “Сен Худонинг Ўғлисан*”, — деб бақириб юборишарди. 12 Аммо Исо: “Менинг кимлигимни айтманглар!” деб уларга қатъий буюрарди.

Исо ўн икки ҳаворийни танлайди

13 Шундан сўнг Исо тоққа чиқиб, Ўзи хоҳлаган одамларни ёнига чақирди. Улар келгач, 14 Исо ўн икки одамни танлаб олиб, уларга ҳаворийлар деб ном берди*. Сўнгра деди:
— Мен билан бирга бўлишларингиз учун сизларни танлаб олдим. Мен сизларни ваъз айтишга юбораман. 15 Сизларга жинларни ҳайдаш* ҳокимиятини бераман.
16 Исо танлаб олган ўн икки ҳаворий қуйидагилардир: Шимўн (Исо унга Бутрус деб исм берди), 17 Забадиё ўғиллари Ёқуб ва Юҳанно (Исо уларга Банирагаш, яъни “момақалдироқ ўғиллари” деб ном берди), 18 яна Эндрус, Филип, Бартоломей,

Матто, Тўма, Халфей ўғли Ёқуб, Таддеюс*, ватанпарвар* Шимўн [19] ва Исога хиёнат қилган Яҳудо Ишқариёт.

Исо ва шайтон

[20] Шундан сўнг Исо уйга* кетди. Аммо яна кўп халойиқ тўпланган учун Исо ва шогирдларининг ҳатто нон ейишга ҳам вақтлари бўлмади. [21] Исонинг қилган ишлари тўғрисида оила аъзолари* эшитиб: “Исо ақлдан озиб қолибди”, деб Уни олиб кетгани келдилар. [22] Қуддусдан келган Таврот тафсирчилари эса:

— Унинг ичига Баалзабул кириб олган. У Баалзабулнинг — инс–жинслар ҳукмдорининг* кучи билан жинларни қувиб чиқаряпти, — дейишди.

[23] Шунда Исо уларни ёнига чақириб, масал билан сўзлай бошлади:

— Қандай қилиб шайтон шайтонни қувиб чиқара олади?! [24] Агар бир шоҳлик низо туфайли ўз ичидан бўлиниб кетса, бундай шоҳлик хароб бўлади. [25] Агар бир хонадон низо туфайли ўз ичидан бўлиниб кетса, у хонадон барбод бўлади. [26] Борди–ю, шайтоннинг шоҳлиги ўз–ўзига қарши чиқиб, бўлиниб кетса, у барбод бўлиб, куни битади. [27] Ҳеч ким кучли одамнинг уйига бостириб кириб, унинг мол–мулкини талон–тарож қилиб олиб кета олмайди. Уйнинг эгасини ўғри боғлаб қўйсагина, уйини талон–тарож қила олади. [28] Сизларга чинини айтайин: одамларнинг қилган гуноҳлари, айтган ҳар қандай куфрликлари кечирилади. [29] Аммо ким Муқаддас Руҳга куфрлик қилса*, ҳеч қачон кечирилмайди, чунки бу абадий гуноҳдир.

[30] Исо бу сўзни, “Уни ёвуз руҳ чалган” деганлари сабабли айтди.

Исонинг онаси ва укалари

[31] Исонинг онаси билан укалари келиб қолишди. Улар Исони чақириб келиш учун одам юбориб, ўзлари уйнинг ташқарисида кутиб туришди. [32] Исонинг атрофида оломон ўтирган эди. Улар Исога:

— Ана, онангиз ва укаларингиз* ташқарида Сизни сўраяптилар, — дейишди.

[33] Исо уларга жавобан:

— Менинг онам ва укаларим ким? — деди. [34] Сўнгра атрофида ўтирганларга назар солиб деди:

— Мана, Менинг онам ва укаларим! [35] Кимда–ким Худонинг иродасини бажо қилса, у Менинг укам, синглим, онам бўлади.

4–БОБ

Уруғ сепувчи ҳақида масал

[1] Исо яна кўл бўйида таълим берди. Унинг атрофида шу қадар кўп оломон тўпландики, У кўлдаги қайиққа тушиб ўтиришга мажбур бўлди. Оломон эса кўл қирғоғида турарди. [2] Исо масал орқали халққа таълим бериб, шундай деди:

[3] “Қулоқ солинглар! Бир деҳқон уруғ сепгани чиқибди. [4] Уруғ сепаётганда баъзи уруғлар сўқмоқ йўл устига тушибди. Қушлар учиб келиб, уруғларни чўқиб кетибди. [5] Баъзи уруғлар тупроғи кам тошлоққа тушибди. Тупроқ кам бўлгани учун уруғлар тез кўкариб чиқибди. [6] Бироқ қуёш чиққач, қовжираб, илдизи бўлмагани учун сўлиб қолибди. [7] Бошқа уруғлар тиканлар орасига тушибди. Тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди, уруғлар ҳосил бермабди. [8] Яна бошқа уруғлар эса яхши тупроққа тушибди ва униб–ўсиб, ўттиз, олтмиш, ҳаттоки юз баробар кўп ҳосил берибди.”

[9] Кейин Исо яна деди: “Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”

Масалларнинг мақсади

10 Исо ўн икки шогирди ва бошқа баъзи одамлар билан ёлғиз қолганда, улар
Исодан бояги масални тушунтириб беришини сўрадилар. 11 Исо уларга деди:
“Худо Шоҳлигининг сирини билиш сизларга берилган. Ташқаридагиларга эса
ҳамма нарсани масаллар билан гапираман, 12 токи:

«Улар қараб туриб, англамасинлар,
Тинглаб туриб, тушунмасинлар.
Акс ҳолда, Худога қайтадилар,
Гуноҳларидан фориғ бўладилар.»”*

Уруғ сепувчи ҳақидаги масалнинг маъноси

13 Исо уларга деди: “Агар бу масални тушунмаган бўлсангиз, бошқа
масалларни қандай тушунасиз?! 14 Уруғ сепувчининг сепгани — Худонинг
каломидир. 15 Баъзи одамлар сўқмоқ йўл устига тушган уруғларга ўхшайдилар.
Улар каломни эшитадилар, аммо ўша заҳоти шайтон келиб, уларнинг ичига
экилган каломни олиб кетади. 16 Бошқа одамлар тошлоқ ерга тушган уруғларга
ўхшайдилар. Улар каломни эшитганда, уни дарров севинч билан қабул
қиладилар. 17 Лекин уларнинг илдизи бўлмагани учун узоққа чидамайдилар.
Калом туфайли қайғу ёки қувғинга дучор бўлишса, дарров чекинадилар. 18 Бошқа
бирлари тиканлар орасига тушган уруғларга ўхшайдилар. Улар Худонинг
каломини эшитадилар, 19 лекин дунёнинг ташвишлари, бойликка ўчлик ва бошқа
ҳаваслар уларнинг юракларига кириб, каломни бўғиб қўяди, калом эса самарасиз
қолади. 20 Бошқа бирлари эса яхши тупроққа тушган уруғларга ўхшайдилар. Улар
каломни эшитиб, қабул қиладилар ва ўттиз, олтмиш, ҳатто юз баробар ҳосил
берадилар.”

Идиш остидаги чироқ

21 Исо уларга яна деди: “Чироқни олиб келиб, идишнинг ёки чорпоянинг
тагига қўядими?! Аксинча, чироқпояга қўяди. 22 Шу сингари, ҳар қандай яширин
нарса маълум бўлади, ҳар қандай сир очилади. 23 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса,
эшитсин!”
24 Кейин уларга яна деди: “Эшитаётганларингизни қулоғингизга қуйиб олинг!
Сиз қандай ўлчов билан ўлчасангиз, худди шундай ўлчов билан сизга ҳам ўлчаб
берилади. Сизга яна қўшиб берилади. 25 Кимда бор бўлса, унга яна берилади.
Кимда йўқ бўлса, бори ҳам ундан тортиб олинади.”

Униб чиққан уруғ ҳақида масал

26 Исо яна шундай деди: “Худонинг Шоҳлигини шунга қиёсласа бўлади: деҳқон
даласига уруғ экади. 27 Кечаси бўлдими, ухлайди, кундузи бўлдими, туради. Аммо
уруғ қандай униб чиқиб, ўсишини у билмайди. 28 Ер ўз–ўзидан аввал пояни, сўнгра
бошоқни, ундан кейин бошоқдаги тўлиқ донни етиштиради. 29 Ҳосил пишгач,
йиғим–терим вақти келди, деб ўша одам дарҳол ўроқни ишга солади.”

Хантал уруғи ҳақида масал

30 Исо яна деди: “Худонинг Шоҳлигини яна нимага ўхшатсак бўлади?! Уни
қандай масал билан ифодаласак бўлади?! 31 Худонинг Шоҳлиги хантал уруғига*
ўхшайди: у ерга сепиладиган уруғларнинг энг майдасидир. 32 Лекин сепилгандан
кейин кўкаради ва барча кўкатлардан баланд бўлиб ўсади. Катта шохлар
чиқаради, осмондаги қушлар ҳам унинг паноҳида уя қуради.”
33 Шундай қилиб, Исо халқнинг эшитиш имкониятига қараб, бу сингари,
кўпгина масаллар орқали Худонинг сўзини ўргатарди. 34 Уларга масалсиз

гапирмас эди. Шогирдлари билан ёлғиз қолганда эса, уларга ҳаммасини тушунтирар эди.

Исо бўронни тинчлантиради

35 Ўша куни кечқурун Исо шогирдларига:

— Кўлнинг нариги томонига* ўтайлик, — деди.

36 Улар оломонни қолдириб, Исони ўтирган қайиғида олиб кетдилар. Исонинг
кетидан бошқа қайиқлар ҳам сузиб кетди. 37 Шу орада кўлда кучли бўрон
кўтарилди. Тўлқинлар қайиқни тебратиб юборди, қайиқ сувга тўла бошлади.
38 Исо эса қайиқнинг қуйруқ томонида ёстиққа бош қўйиб, ухлаб ётган эди.

Шогирдлар Исони уйғотиб:

— Устоз! Ҳалок бўляпмиз! Наҳотки Сизга барибир бўлса?! — дейишди.

39 Шунда Исо туриб, шамолга: “Жим бўл!” ва кўлга: “Бас қил!” деб буюрди. Шу онда
шамол тинди, чуқур сукунат бўлди.

40 Исо шогирдларига:

— Нега қўрқасизлар? Нега ҳалигача ишончингиз йўқ? — деди. 41 Улар эса
ваҳимага тушиб, бир–бирига шундай дейишди:

— Бу Ким бўлди экан–а? Шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунади–я!

5–БОБ

Жинга чалинган одамни Исо соғайтиради

1 Исо шогирдлари билан кўлнинг нариги қирғоғидаги* Гераса* ҳудудига етиб
келди. 2 Исо қайиқдан тушиши биланоқ, ёвуз руҳга чалинган бир одам қабрлар
орасидан югуриб келиб, Унинг қаршисидан чиқди. 3 У одам қабристонда яшарди.
Уни ҳеч ким ҳатто занжир билан ҳам боғлай олмасди. 4 Кўп маротаба уни
кишанлару занжирлар билан боғлаган бўлсалар–да, аммо у занжирларни узиб,
кишанларни ҳам синдириб ташлар эди. Уни тинчитишга ҳеч кимнинг кучи етмас
эди. 5 Доимо, кечаю кундуз қабрлар орасида, тоғларда бақириб юрар, баданини
тошлар билан тилиб, жароҳатлар эди.

6 У Исони узоқдан кўриб, югуриб келди–да, Унга таъзим қилиб, 7 овози борича
бақирди:

— Эй Исо, Худойи Таолонинг Ўғли!* Мени тинч қўй! Худо ҳақи Сенга
ёлвораман, менга азоб берма!

8 Чунки Исо унга: “Эй ёвуз руҳ, бу одамдан чиқиб кет!” — деб буюрган эди.

9 Исо ёвуз руҳдан:

— Исминг нима? — деб сўради.

— Исмим Тумонат*, чунки бизлар кўпчиликмиз, — деб жавоб берди у.
10 Уларни бу ҳудуддан ташқарига ҳайдаб чиқармаслигини Исодан қайта–қайта
ёлвориб сўради.

11 Ўша тоғнинг ён бағрида катта чўчқа подаси ўтлаб юрган эди. 12 Ёвуз руҳлар
Исога ёлвориб:

— Бизни шу чўчқаларга юборгин, уларга кирайлик, — дейишди.

13 Исо уларга рухсат берди. Ёвуз руҳлар эса шу заҳоти у одамдан чиқиб,
чўчқаларга кириб олишди. Икки мингга яқин чўчқа тик қияликдан кўлга
ёпирилиб, чўкиб кетди.

14 Шунда чўчқа боқувчилар қочиб кетиб, бўлиб ўтган ҳодисани шаҳар ва
қишлоқларда гапириб юрдилар. Аҳоли эса нима бўлганини кўришга борди.
15 Улар Исонинг олдига келганларида, илгари тумонат жин қамраган одамни
кийинган ва ақли расо ҳолда ўтирганини кўриб, қўрқиб кетишди. 16 Воқеани

кўрганлар эса ҳалиги одам жиндан қандай қутулгани ва чўчқалар билан нима рўй бергани ҳақида халққа сўзлаб беришди. 17 Шунда маҳаллий халқ Исодан:
“Ҳудудимиздан чиқиб кетинг”, деб ўтинди.
18 Исо қайиққа тушди. Жиндан қутулган одам Исога:
— Сиз билан кетай, — деб ёлворди. 19 Лекин Исо рози бўлмади. Унга шундай деди:
— Уйингга бор, Мен — Раббинг сен учун нималар қилганимни, қандай раҳм–шафқат кўрсатганимни ўз яқинларингга гапириб бер.
20 Шунда у киши бориб, Исо унга қанчалар мурувват кўрсатганини Декаполис ҳудудида* эълон қила бошлади. Ҳамма ҳайратга тушарди.

Соғайган аёл ва тирилган қиз ҳақида

21 Исо қайиқда кўлнинг нариги томонига* яна сузиб ўтди. Бир талай оломон қирғоқда Унинг атрофига тўпланди. 22 Шу пайт Яир исмли бир киши келиб қолди. У синагога бошлиғи эди. У Исони кўрди–ю, оёғига йиқилиб:
23 — Менинг жажжи қизим ўлим тўшагида ётибди. Келиб унга қўлингизни теккизинг, у соғайиб тирик қолсин, — деб қайта–қайта ёлворди.
24 Исо у билан кетди. Исонинг орқасидан кўп халойиқ эргашиб, Уни қисиб қўяр эди. 25 У ерда ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл ҳам бор эди. 26 У кўп табиблар муолажасидан анча қийналиб, бутун мол–мулкини сарф этгани билан ҳеч фойда кўрмаган, аҳволи баттар ёмонлашиб борарди.
27 Аёл Исо ҳақида эшитди–ю, халойиқ орасида Исонинг орқасидан келиб, кийимига қўл теккизди. 28 У ўзича: “Агар кийимига бир тегиб олсам бас, соғайиб кетаман”, деб ўйлаган эди. 29 У шундай қилиши биланоқ, қон кетиши тўхтади. Аёл касалликдан фориғ бўлганини ўз танасида ҳис этди.
30 Исо эса шу онда Ўзидан бир куч чиққанлигини сезди. У орқасига ўгирилиб халойиқдан:
— Кийимимга ким тегди? — деб сўради. 31 Шогирдлари Унга:
— Сизни халойиқ қисиб турганлигини кўриб турибсиз–ку! Нимага яна: “Менга ким тегди?” деб сўраяпсиз? — дейишди.
32 Лекин Исо буни ким қилганини кўриш учун атрофга қарар эди. 33 Аёл ўзида қандай ўзгариш бўлганини билиб, титраб–қўрқиб келди, Исонинг оёқлари остига ўзини ташлаб, бутун ҳақиқатни Унга сўзлаб берди. 34 Исо унга деди:
— Қизим, ишончинг сени соғайтирди. Эсон–омон бор, дардингдан халос бўлгин.
35 Исо шундай деб турган ҳам эдики, синагога бошлиғининг уйидан одамлар келиб унга:
— Қизингиз ўлди, нега яна Устозни овора қиляпсиз? — дедилар. 36 Исо бу сўзларни эшитиб қолиб, синагога бошлиғига:
— Қўрқманг, фақат ишонинг, — деди.
37 Исо ҳеч кимнинг эргашишига йўл қўймай, фақат Бутрус, Ёқуб ва унинг укаси Юҳаннони олиб кетди. 38 Синагога бошлиғининг уйига етганларида, безовталикни, дод–фарёд қилаётган одамларни кўрдилар*. 39 Исо ичкарига кириб:
— Нега безовтасизлар? Нега йиғлаяпсизлар? Қизча ўлмаган, у ухлаб ётибди, — деди. 40 Улар эса Исонинг устидан кулишди.
Исо ҳаммани ташқарига чиқариб юборди. У қизчанинг ота–онаси ва шогирдларини олиб қолиб, қизча ётган хонага кирди. 41 Қизчанинг қўлидан ушлаб унга:
— Талифа кум!* — деди. Бу гапнинг таржимаси: “Қизалоқ, қани, ўрнингдан

тур!” демакдир.
42 Ўн икки яшар қизча шу онда ўрнидан турди, юриб, атрофни айлана бошлади.
Буни кўрганларнинг ақли шошди. 43 Исо:
— Буни ҳеч ким билмасин, — деб уларга қатъий буюрди ва қизчага овқат
беришларини айтди.

6–БОБ

Исо Носира шаҳрида рад қилинади

1 Исо у ердан жўнаб, она шаҳрига* борди. Шогирдлари ҳам Унинг ортидан
эргашдилар.
2 Шаббат куни Исо синагогада таълим берди. Уни тинглаётганларнинг
кўпчилиги ҳайратга тушиб:
— Бу Одам шунча нарсани қаердан ўрганди экан–а? — деб сўрардилар. — Унга
бундай доноликни ким берди? У бундай мўъжизаларни қандай қиляпти? 3 Ие, У
Марямнинг дурадгор ўғли–ку! Ёқуб, Юсуф, Яҳудо ва Шимўннинг акаси эмасми бу?!
Унинг сингиллари ҳам орамизда яшайди–ку!
Одамлар Исодан қаттиқ хафа бўлдилар. 4 Исо уларга шундай деди:
— Пайғамбар она шаҳридан, ўз қариндош–уруғлари ва уйидан бошқа ҳамма
ерда иззатланади.
5 Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза кўрсата олмади. Фақатгина бирмунча
беморларга қўл теккизиб, уларни соғайтирди. 6 Исо одамларнинг
ишончсизлигига ҳайрон қолди.

Исо ўн икки ҳаворийни хизматга юборади

Шундан сўнг Исо атрофдаги қишлоқларда кезиб юриб, таълим берарди. 7 Ўн
икки ҳаворийни ёнига чақириб, иккита–иккитадан қилиб жўната бошлади.
Уларга ёвуз руҳлар устидан ҳокимият берди. 8 Уларга буюриб деди: “Йўл учун
ёлғиз ҳассадан бошқа ҳеч нарса — нон ҳам, тўрва ҳам, белбоғларингизга мис чақа
ҳам қистириб олманглар, 9 оёғингизга чориқ кийиб, устингизга қўшимча кийим
олманглар.”
10 Исо яна деди: “Бирор ерга бориб, бironта уйга кирганингизда, то ўша жойни
тарк этгунингизгача, шу уйда туринглар. 11 Агар бирор жойнинг одамлари сизни
қабул қилмаса ва сизга қулоқ солмаса, у ердан чиқиб кетаётганингизда уларни
огоҳлантириш тариқасида оёқларингизнинг чангини қоқиб кетинглар*.”*
12 Шундай қилиб, ҳаворийлар йўл юриб, тавба қилинглар, деб ҳаммани даъват
қилишди. 13 Улар кўп жинларни қувиб чиқаришди ва кўп хасталарга зайтун мойи
суртиб* уларни соғайтиришди.

Яҳё чўмдирувчининг ўлими

14 Исонинг номи эл оғзига тушиб қолган эди. Шоҳ Ҳироднинг* қулоғига ҳам
миш–мишлар етиб борди. Баъзи одамлар: “Яҳё чўмдирувчи тирилиб келибди.
Шунинг учун У мўъжизалар кўрсатиш қудратига эга”, дейишарди*. 15 Бошқалар
эса: “Бу Илёс*”, деб айтишарди. Яна бошқа бировлари: “Қадимги пайғамбарларга
ўхшаган бир пайғамбар бу”, деб айтардилар. 16 Ҳирод буларни эшитиб: “Мен
бошини олдирган Яҳё тирилиб келибди”, деди.
17-18 Ҳирод ўз укаси Филипнинг хотини Ҳиродияга уйланган эди. Яҳё эса
Ҳиродга: “Сиз укангизнинг хотинига уйлана олмайсиз, бу қонунга зид”, деб айтар
эди. Шунинг учун Ҳирод Яҳёни қўлга олиб, зиндонга қаматиб қўйган эди.
19 Ҳиродиянинг ҳам Яҳёда қасди бор эди. У Яҳёни ўлдирмоқчи бўларди, аммо бу

ниятига ета олмаётган эди. [20] Негаки Ҳирод Яҳёнинг солиҳ ва муқаддас киши эканини билиб, ундан қўрқар ва уни ҳимоя қилар эди. Унинг сўзлари Ҳиродни гангитиб қўярди, шунга қарамай, Ҳирод уни эшитишни хуш кўрарди*.

[21] Бир куни қулай фурсат туғилиб қолди. Ҳирод ўзининг туғилган куни муносабати билан амалдорларига, лашкарбошиларига ва Жалила ҳудудининг йўлбошчиларига зиёфат берди. [22] Ҳиродиянинг қизи* кириб, рақс тушди ва Ҳирод билан улфатларининг кўнглини топди. Шоҳ қизга:

— Тила тилагингни, тилаган нарсангни бераман, — деди. [23] Унга ҳатто қасам ичиб:

— Мендан нима сўрасанг, бераман, шоҳлигимнинг ярмигача бўлса ҳам, бераман, — деди.

[24] Қиз ташқарига чиқиб онасига:

— Нима сўрай? — деди.

— Яҳё чўмдирувчининг бошини сўра! — деди онаси.

[25] Қиз шу онда шоҳ ҳузурига югуриб бориб:

— Менга ҳозироқ Яҳё чўмдирувчининг бошини лаганда келтириб беришингизни сўрайман, — деди.

[26] Шоҳ жуда хафа бўлди. Аммо меҳмонлари олдида қасам ичгани учун қизнинг илтимосини рад этишни истамади. [27] У ўша заҳоти жаллодни юбориб, Яҳёнинг бошини келтиришни буюрди. [28] Жаллод зиндонга бориб, Яҳёнинг бошини танидан жудо қилди. Кейин унинг бошини лаганда келтириб, қизга берди. Қиз эса онасига берди. [29] Яҳёнинг шогирдлари юз берган ҳодисани эшитиб, унинг жасадини олгани боришди ва уни дафн этишди.

Исо 5000 кишини тўйдиради

[30] Ҳаворийлар Исонинг олдига йиғилиб, қилган ҳамма ишларини, халққа нималар ўргатишганини айтиб бердилар*. [31] Исо уларга:

— Келинглар, ёлғиз ўзимиз кимсасиз жойга борайлик, бир оз дам олинглар, — деди. Чунки келиб–кетувчилар кўплигидан уларнинг овқат ейишга ҳам вақти йўқ эди.

[32] Исо билан шогирдлари қайиққа тушиб*, ёлғиз ўзлари кимсасиз жойга жўнаб кетишди. [33] Лекин кўпчилик уларнинг қаерга кетаётганини билиб қолдилар. Шунда атрофдаги ҳамма шаҳарлардан одамлар пиёда йўлга тушишди, Исо билан шогирдлари бораётган жойга югуриб, улардан олдин етиб боришди. [34] Исо қайиқдан тушганда, катта бир оломонни кўрди. Уларга ачиниб кетди, чунки улар чўпонсиз қўйларга ўхшарди. Исо уларга кўп нарсалар ҳақида таълим берди.

[35] Кеч кирганда, шогирдлар Исонинг олдига келиб дедилар:

— Бу жой кимсасиз экан, бунинг устига, жуда кеч бўлиб қолди. [36] Халқни жўнатиб юборинг, токи улар атрофдаги қишлоқ ва овулларга бориб, ўзларига егулик сотиб олишсин.

[37] — Сизлар уларга овқат беринглар! — деди Исо.

— Наҳотки биз икки юз кумуш тангага* нон сотиб олиб келиб, халққа едирсак? — деб сўрашди Ундан. [38] Исо деди:

— Қанча нонларингиз бор? Бориб кўринглар.

Улар билиб келиб:

— Бешта нон, иккита балиқ бор экан, — дейишди.

[39] Исо халойиқни гуруҳ–гуруҳ қилиб, яшил ўт устига ўтқазишни шогирдларига буюрди. [40] Халқ юзтадан ва элликтадан гуруҳ–гуруҳ бўлиб ўтирди. [41] Исо бешта нон билан иккита балиқни олди ва осмонга қараб, шукрона дуосини ўқиди. Нонларни синдириб, халойиққа тарқатиш учун шогирдларига берди. Иккита

балиқни ҳам ҳаммага тақсимлаб берди. 42 Ҳамма еб тўйди. 43 Сўнг ортиб қолган
нон бурдаларини ва балиқларни йиғиб олишган эди, тўла ўн икки сават чиқди.
44 Нон еганлар орасида беш минг эркак бор эди.

Исо сув устида юради

45 Исо вақт ўтказмай, шогирдларини қайиққа тушириб, кўлнинг нариги
томонидаги* Байтсайда шаҳрига* кетишга мажбур қилди. Оломонни эса уйларига
қайтариб жўнатиб юборди. 46 Одамлар билан хайрлашгандан кейин, ибодат
қилиш учун тепаликка чиқди.
47 Оқшом тушди. Қайиқ кўлнинг ўртасида, Исо эса ёлғиз Ўзи қуруқликда
қолган эди. 48 Шогирдлар эшкак эшишга қийналаётган эдилар, чунки шамол
қайиққа қарши эсар эди. Исо буни кўриб, эрта саҳарда кўл устида юрганича
шогирдлари томон борди–да, уларнинг олдидан ўтиб кетмоқчи бўлди*.
49 Шогирдлар эса кўл юзида юрган Исони кўриб, арвоҳ деб ўйлаб, бақириб
юборишди. 50 Чунки ҳаммалари Уни кўриб, ваҳимага тушиб қолган эдилар. Лекин
Исо ўша заҳоти уларга:
— Дадил бўлинглар! Қўрқманглар, бу Менман! — деди.
51 Сўнг Исо шогирдлари ёнига — қайиққа ўтгач, шамол тиниб қолди.
Шогирдлар тамомила ҳайратга тушдилар, 52 чунки улар нон тўғрисидаги
мўъжизани ҳам тушунмаган эдилар, уларнинг имони суст эди*.
53 Улар кўлдан сузиб ўтиб*, Генисарет* ўлкасига келдилар. Ўша ерда қайиқни
боғладилар. 54 Қайиқдан чиқишлари биланоқ халқ Исони таниб қолди. 55 Одамлар
бутун юртни югуриб айланиб чиқдилар, хасталарни тўшакларда Исонинг олдига
олиб бордилар. Улар ҳар сафар Исонинг қаердалигини эшитишса хасталарни ўша
ерга олиб боришарди. 56 Исо қаерга бормасин — қишлоқларгами, шаҳарларгами,
овулларгами — одамлар хасталарни очиқ майдонларга ётқизиб қўйишарди.
Хасталар Исодан: “Ҳеч бўлмаса кийимингизнинг этагига қўл теккизайлик”, деб
илтимос қилишарди. Унга қўл теккизганларнинг ҳаммаси шифо топарди.

7–БОБ

Диний урф–одатлар ва Худонинг амри

1 Фарзийлар ва Қуддусдан келган айрим Таврот тафсирчилари Исонинг ёнига
йиғилиб келдилар. 2 Улар Исонинг шогирдларидан баъзилари ҳаром, яъни
ювилмаган қўллари* билан нон еяётганларини кўриб қолдилар. 3 Фарзийлар ва
умуман яҳудийлар ота–боболарининг урф–одатини сақлаб, ҳеч ҳам қўлларини
ювмасдан овқат емайдилар. 4 Бозордан қайтганларида ҳам ювинмай овқат
емайдилар. Шунингдек, сўри, коса, товоқ, қозонни ювиш каби кўпгина удумларга
риоя қиладилар.
5 Шундай қилиб, фарзийлар ва тафсирчилар Исодан сўрадилар:
— Нега Сизнинг шогирдларингиз ота–боболаримизнинг урф–одатини
сақлашмайди? Нима учун ҳаром қўллари билан нон ейишади?
6 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Ишаёнинг башорати сиз иккиюзламачиларга жуда тўғри келади. Худонинг
қуйидаги сўзларини Ишаё ёзиб қолдирган:

“Бу халқ Мени тилидагина иззат қилади,
Юраклари эса Мендан узоқдир.
7 Улар Менга сажда қиладилар,
Аммо саждалари беҳудадир.

Чунки улар инсон яратган қоидаларни
Илоҳий қонун деб ўргатадилар.”*

8 Сизлар Худонинг амрларини йиғиштириб қўясизлар, инсоний урф–одатларга
эса ёпишиб оласизлар*.
9 Исо яна уларга деди:
— Ҳа, сизлар урф–одатларингизни сақлаш учун Худонинг амрларини четлаб
ўтишнинг зўр йўлини топгансизлар! 10 Мусо айтган эди: “Ота–онангизни ҳурмат
қилинг. Отасини ёки онасини хўрлаган ҳар қандай одамга ўлим жазоси
берилсин.”* 11 Аммо сизлар шундай таълим берасизлар: одам ўз отаси ёки
онасига: “Фарзандлик бурчим — Худога қурбон, яъни Худога инъом қилинган”,
деб айтиши мумкин. 12 Шундан кейин ўша одамнинг отасига ёки онасига яхшилик
қилишига сизлар йўл қўймайсизлар. 13 Шу тариқа сизлар ўзларингиз ўрнатган
урф–одатларингиз орқали Худонинг каломини бекор қиласизлар. Сизлар бунга
ўхшаш яна кўп ишларни қиласизлар.

Инсонни нима ҳаром қилади?

14 Кейин Исо бутун халқни яна ёнига чақириб, деди:
— Ҳаммаларингиз Менга қулоқ солиб, тушуниб олинглар! 15-16 Ташқаридан
инсон ичига кирадиган ҳеч нарса уни ҳаром қила олмайди. Аксинча, инсон
ичидан чиқадиган нарса уни ҳаром қилади*.
17 Исо халойиқ орасидан чиқиб уйга кирди, шогирдлар Ундан: “Ҳалиги
айтганларингизни тушунтириб беринг”, деб илтимос қилишди. 18 Исо уларга
деди:
— Сизлар ҳам шунчалик бефаҳммисизлар?! Ташқаридан инсоннинг ичига
кирадиган ҳеч нарса уни ҳаром қила олмаслигини англамайсизларми? 19 Бу
нарсалар инсоннинг қалбига эмас, қорнига киради ва керакли жойдан чиқиб
кетади.
Исо бу гаплари билан ҳамма егуликлар ҳалол эканини эълон қилди.
20 У яна деди:
— Инсоннинг ичидан чиқадиган нарсалар инсонни ҳаром қилади. 21 Чунки
ичдан, яъни инсон қалбидан ёмон фикрлар, фаҳш, ўғрилик, қотиллик, 22 зино,
очкўзлик, фосиқлик, маккорлик, шаҳват, ҳасад, туҳмат, манманлик ва нодонлик
чиқади. 23 Ана шу ёмонликларнинг ҳаммаси инсоннинг ичидан чиқиб, уни ҳаром
қилади.

Ғайрияҳудий аёлнинг ишончи

24 Исо у ердан чиқиб, Тир* ҳудудига кетди. Бир уйга кирди ва буни ҳеч ким
билиб қолишини истамас эди, лекин яширина олмади.
25 Қизалоғини ёвуз руҳ чалган бир аёл Исо ҳақида эшитиб қолди–да, тез келиб,
Унинг оёғига йиқилди. 26 Бу аёл Суриядаги Финикия* ўлкасида туғилган бўлиб,
яҳудий эмас эди. У:
— Қизимдан жинни қувиб чиқаринг, — деб Исодан ёлвориб сўради. 27 Бироқ
Исо унга:
— Аввал болалар тўйсин, болалардан нонни олиб кучукларга ташлаш яхши
эмас, — деди.
28 — Тўғри, Ҳазрат*, — деди аёл. — Лекин кучуклар ҳам болаларнинг
дастурхонидан тўкилган ушоқларини ейди–ку.
29 Исо унга:
— Мана шу гапинг учун сенга ёрдам бераман. Энди кетавер. Қизингдан жин
чиқиб кетди, — деди.

30 Аёл уйига борганда, қизини жиндан қутулиб, тўшакда ётган ҳолда кўрди.

Исо кар одамга шифо беради

31 Исо Тир ҳудудидан чиқиб, Сидонга* борди. Сўнг Жалила кўли бўйларидан
ўтиб, Декаполис ҳудудига* борди. 32 Айрим одамлар Исонинг олдига зўрға
гапирадиган бир кар одамни олиб келиб, унга қўл теккизишини сўрашди. 33 Исо у
одамни халойиқ орасидан бир четга олиб чиқди, сўнг Ўз бармоқларини унинг
қулоқларига тиқиб қўйди. Сўнг тупуриб, сўлагини ўша одамнинг тилига
теккизди. 34 Кейин осмонга қараб, чуқур хўрсинди–да, унга: “Эффатаҳ!”* деди. Бу
сўзнинг таржимаси “Очил!” демакдир. 35 Шу онда у одамнинг қулоқлари очилиб,
тилга кирди, равонгина гапира бошлади.

36 Исо у ердагиларга, буни ҳеч кимга айтманглар, деб буюрди. Бироқ Исо
одамларга қанча ман этса ҳам, улар бу ҳодисани янада кўпроқ ёйишарди. 37 Улар
ҳаддан ташқари ҳайратда қолиб, шундай дейишарди: “У ҳамма нарсани яхши
қилади, карларни эшитадиган, соқовларни гапирадиган қилади.”

8–БОБ

Исо 4000 кишини тўйдиради

1 Ўша кунларда яна кўп одам йиғилди. Уларнинг ейиш учун ҳеч нарсалари
қолмаганда, Исо шогирдларини ёнига чақириб деди:

2 — Халққа ачиняпман. Улар уч кундан бери Мен билан бирга, ейишга ҳеч
нарсаси йўқ. 3 Агар уларни уйларига овқат бермай жўнатиб юборсам, йўлда
ҳолдан тойиб қоладилар. Уларнинг баъзилари узоқ ерлардан келганлар.

4 Шогирдлари бунга жавобан:

— Уларни тўйдириш учун бу кимсасиз жойда ким қаердан нон топа оларди?!
— дейишди.

5 — Қанча нонларингиз бор? — деб сўради Исо.

— Еттита, — деди шогирдлар.

6 Шундан кейин Исо халққа ерга ўтиришни буюрди. Еттита нонни олиб,
шукрона дуосини ўқиб синдирди ва тарқатиш учун шогирдларига берди.
Шогирдлар халққа тарқатишди. 7 Уларда бир нечта майда балиқ ҳам бор эди. Исо
балиқлар учун шукурлар айтиб, балиқларни ҳам тарқатишни буюрди. 8 Халқ еб
тўйди. Ортиб қолган нон бурдаларини йиғишганда, еттита сават тўлди. 9 У ерда
тўрт мингга яқин одам бор эди.

Исо уларни жўнатгандан кейин, 10 дарҳол шогирдлари билан қайиққа тушиб,
Далманута* ҳудудига кетди.

Фарзийлар Исодан аломат сўрашади

11 Фарзийлар Исонинг олдига бориб, У билан баҳслаша бошладилар. Уни синаб
кўриш мақсадида шундай дедилар:

— Бизга бир мўъжизали аломат кўрсатинг, шунда Сизни Худо юборганини тан
оламиз.

12 Лекин Исо чуқур хўрсинди:

— Нега бу авлод аломат талаб қиляпти? Сизларга чинини айтайин, бу авлодга
ҳеч қандай аломат берилмайди!

13 Исо уларнинг олдидан кетди, яна қайиққа тушиб, нариги қирғоққа* ўтиб
олди.

Исо шогирдларини койийди

14 Шогирдлар ўзлари билан нон олишни унутган эканлар. Қайиқда бир дона

нон бор эди, холос. 15 Шу орада Исо шогирдларини огоҳлантириб деди:
— Фарзийлар ва Ҳироднинг* хамиртурушидан* эҳтиёт бўлинглар!
16 Шогирдлар ўзларича: “Биз нон олмаганимиз учун У шундай деяпти”, деб
муҳокама қила бошладилар. 17 Шогирдлар нимани муҳокама қилаётганларини
Исо билиб, уларга деди:
— Нега сизлар, нонимиз йўқ, деб айтяпсизлар? Ҳали ҳам тушунмаяпсизларми,
англамаяпсизларми? Имонингиз шунчалик сустми?!* 18 Кўзларингиз бор–ку,
наҳотки кўрмасангиз?! Қулоқларингиз бор–ку, наҳотки эшитмасангиз?! Эслаб
кўринг: 19 Мен бешта нонни синдириб, беш мингта эркакка бўлиб берганимда,
сизлар қолган нон бурдалари билан нечта саватни тўлдириб олгансизлар?
— Ўн иккита саватни, — деб жавоб берди улар.
20 — Мен еттита нонни синдириб, тўрт минг кишига бўлиб берганимда,
бурдалари билан нечта саватни тўлдириб олгансизлар?
— Еттита саватни, — дейишди.
21 — Ҳали ҳам англамадингизми? — деб сўради улардан Исо.

Исо кўрни соғайтиради

22 Исо шогирдлари билан Байтсайда шаҳрига* келди. Одамлар Исонинг олдига
бир кўрни олиб келиб: “Унга қўлингизни теккизиб қўйинг”, деб ёлвордилар.
23 Исо кўрнинг қўлидан ушлаб, шаҳардан етаклаб олиб чиқди. Сўнг кўзларига
тупуриб, қўлларини унинг устига қўйди–да:
— Бирон нарса кўряпсанми? — деб сўради. 24 Кўр бошини кўтариб:
— Одамларни кўряпман, лекин улар юраётган дарахтларга ўхшайди, — деди.
25 Шундан кейин Исо қўлларини яна кўрнинг кўзларига теккизди*. Кўр одам
кўзларини очиб қараса, соғайиб қолган, ҳамма нарсани аниқ кўраётган эди. 26 Исо
уни уйига жўнатар экан:
— Қишлоққа кирмай, тўғри уйингга кет*, — деди.

Бутрус Масиҳни тан олади

27 Исо шогирдлари билан Филип Қайсарияси* атрофидаги қишлоқларга йўл
олди. Йўлда У шогирдларидан:
— Одамлар Мени ким деб билади? — деб сўради. 28 Шогирдлар Исога шундай
жавоб беришди:
— Баъзилар Сизни Яҳё чўмдирувчи деб ҳисоблайдилар, баъзилар Илёс*,
бошқалари эса, қадимги пайғамбарлардан бири, деб айтиб юрибдилар.
29 Исо улардан сўради:
— Сизлар–чи, Мени ким деб биласиз?
Бутрус Унга жавоб бериб:
— Сиз Масиҳсиз*, — деди.
30 Шундан сўнг Исо, Мен ҳақимда ҳеч кимга гапирманглар, деб шогирдларига
қатъий буюрди.

Исо Ўз ўлими ҳақида гапиради

31 Исо шогирдларига шундай деб уқтира бошлади: “Инсон Ўғли кўп азоб
чекади. Йўлбошчилар, бош руҳонийлар* ва Таврот тафсирчилари томонидан рад
қилиниб, ўлдирилади. Учинчи куни эса тирилади.” 32 У бу ҳақда очиқдан–очиқ
гапирди. Шунда Бутрус Исони четга тортиб:
— Устоз, бундай деб айтманг, — деди. 33 Аммо Исо ўгирилиб шогирдларига
қаради–да, Бутрусни қаттиқ койиб деди:
— Йўқол кўзимдан, шайтон! Сен Худонинг ишларини эмас, инсон ишларини
ўйлаяпсан, — деди.

34 Шундан сўнг Исо халқ билан шогирдларини олдига чақириб деди:
— Кимда–ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб*,
ортимдан юрсин. 35 Ким ўз жонини асраб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен
учун ва Хушхабар учун жонини берса, жонини асраб қолади. 36 Агар инсон бутун
дунёни эгаллаб олса–ю, ўз жонидан маҳрум бўлса, бундан унга нима фойда?!
37 Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов бера олади?! 38 Бу бевафо ва гуноҳкор насл
орасида Мендан ва Менинг сўзларимдан уялманглар! Акс ҳолда, Инсон Ўғли
муқаддас фаришталар билан бирга Отасининг* улуғворлигига бурканиб
келганда, У ҳам сизлардан уялади.

9–БОБ

Исонинг қиёфаси ўзгаради

1 Исо уларга яна деди:
— Сизларга чинини айтайин, бу ерда турганлардан баъзилари борки, улар
Худонинг Шоҳлиги қудрат билан келишини кўрмагунларича, ўлмайдилар.
2 Орадан олти кун ўтди. Исо ёнига Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннони олиб, баланд бир
тоққа чиқди. У ерда, уларнинг кўз ўнгида Исонинг қиёфаси ўзгариб кетди. 3 Унинг
кийимлари ҳам кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ бўлиб қолди, ер юзида
ҳеч бир кир ювувчи бундай оқартира олмас эди.
4 Шунда шогирдлар Исо билан гаплашиб турган Илёс билан Мусони кўришди.
5 Бутрус Исога деди:
— Устоз, яхши ҳам шу ерда эканмиз! Келинг, учта чайла ясайлик: биттаси
Сизга, биттаси Мусога, биттаси Илёсга.
6 Шогирдлар шунчалик қўрқиб кетган эдиларки, Бутрус нима деб
айтаётганини ўзи ҳам билмас эди.
7 Шу пайтда булут пайдо бўлиб, уларга соя солди. Булут орасидан шундай овоз
эшитилди:
— Бу Менинг севикли Ўғлимдир*, Унга қулоқ солинглар!
8 Бирданига шогирдлар атрофга қараб, ёлғиз Исодан бошқа ҳеч кимни
кўришмади.
9 Тоғдан тушаётганларида Исо уларга буюрди:
— Инсон Ўғли ўлиб тирилмагунча, бу кўрганларингизни ҳеч кимга
айтманглар.
10 Улар бу ҳақда ҳеч кимга айтмадилар, аммо ўзаро: “Ўликдан тирилиш нима
дегани экан?” деб, бу хусусда мунозара қила бошладилар. 11 Улар Исодан
сўрадилар:
— Нега Таврот тафсирчилари, Масиҳдан олдин Илёс келиши керак*, деб
айтадилар?
12 Исо уларга жавобан деди:
— Тўғри, аввало Илёс келиб, ҳамма нарсани тиклайди. Хўш, Муқаддас
битикларда*, Инсон Ўғли кўп азоб чекиши ва хўрланиши керак, деб ҳам
ёзилмаганми?! 13 Бироқ Мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган* ва у
ҳақда ёзилганидек, уни хоҳлаганларича хўрладилар*.

Жинга чалинган болага Исо шифо беради

14 Исо уч шогирди билан тоғдан тушганда, улар қолган шогирдлари атрофига
йиғилган катта оломонни кўрдилар. Баъзи Таврот тафсирчилари Исонинг
шогирдлари билан баҳслашаётган эдилар. 15 Одамлар Исони кўриб, ҳайратга
тушишди. Унинг олдига югуриб бориб, салом беришди.

16 — Нималар тўғрисида баҳслашяпсизлар? — деб сўради Исо. 17 Оломон
орасидан кимдир жавоб берди:
— Устоз! Сизнинг олдингизга ўғлимни олиб келган эдим, уни жин чалгани
учун гапира олмайди. 18 Жин уни қаерда тутиб олса, ерга йиқитади. Ўғлимнинг
оғзидан кўпик чиқади, у тишларини ғичирлатиб, қотиб қолади. Мен
шогирдларингизга, жинни қувиб чиқаринглар, дедим, аммо улар эплай
олмадилар.
19 Исо бунга жавобан:
— Эй имонсиз авлод! Қачонгача сизлар билан бирга бўлишим керак?!
Сизларга яна қанча тоқат қилишим керак?! Олдимга келтиринглар болани! —
деди.
20 Болани Исонинг олдига келтиришди. Исони кўриши биланоқ жин болани
қалтиратиб ташлади. Бола ерга йиқилди–ю, оғзидан кўпик оқизганча ағнаб
ётаверди. 21 Исо унинг отасидан:
— Қачондан бери у бундай аҳволга тушади? — деб сўради.
— Болалигидан шунақа. 22 Жин уни ҳалок қилмоқчи бўлиб кўп маротаба
оловга, сувга ташлади. Агар қўлингиздан келса, бизларга раҳм қилинг, ёрдам
беринг, — деди. 23 Исо унга шундай жавоб берди:
— “Қўлингиздан келса” деганинг нимаси?! Агар одам ишонса, ҳамма
нарсанинг имкони бор.
24 Шу он боланинг отаси ҳайқириб юборди:
— Ишонаман! Ишончсизлигимни енгишимга ёрдам беринг!
25 Томошага йиғилаётган халқни кўрган Исо ёвуз руҳга дўқ қилиб:
— Эй гунг қиладиган руҳ, Мен сенга буюраман: боладан чиқиб кет! Бундан
кейин ҳеч қачон унинг ичига қайтиб кирма! — деди.
26 Шунда жин қаттиқ қичқириб юборди–да, болани шиддат билан қалтиратиб,
ундан чиқиб кетди. Бола ўликдай бўлиб қолганидан, кўпчилик уни ўлди, деб
айтди. 27 Лекин Исо уни қўлидан ушлаб туришига ёрдам берди, бола оёққа турди.
28 Исо уйга кирди. У ёлғиз экан, шогирдлари Ундан:
— Нега биз жинни қувиб чиқара олмадик? — деб сўрадилар. 29 Исо уларга
деди:
— Бу тоифа жинларни ибодатдан* бошқа йўл билан ҳайдаб бўлмайди.

Исо яна Ўз ўлими ҳақида гапиради

30 Исо ва шогирдлари у ердан жўнаб, Жалила ҳудудидан ўтдилар. Исо буни ҳеч
ким билиб қолишини истамас эди. 31 У шогирдларига таълим бериб, шундай деди:
— Инсон Ўғли одамлар қўлига тутиб берилади. Уни ўлдиришади, учинчи куни
эса У тирилади.
32 Шогирдлар эса бу сўзларни тушунмадилар, аммо Ундан гапларининг
маъносини сўрашга ботина олмадилар.

Энг катта ким?

33 Исо шогирдлари билан Кафарнаҳум шаҳрига келди. Уйда бўлганда,
шогирдларидан сўради:
— Йўлда кетаётиб нималар ҳақида баҳслашдингиз?
34 Улар индамадилар, чунки улар: “Орамизда энг катта ким?” деб ўзаро
баҳслашган эдилар.
35 Исо ўтириб, ўн икки шогирдини ёнига чақирди:
— Ким биринчи бўлишни истаса, ҳамманинг охирида турсин ва ҳаммага
хизматкор бўлсин, — деди.

36 Сўнгра бир болани олиб, уларнинг ўртасига турғизиб қўйди ва болани
қучоқлаганча, шогирдларига деди:
37 — Ким шундай болалардан бирини Менинг номимдан қабул қилса, у Мени
қабул қилган бўлади. Ким Мени қабул қилса, у Мени эмас, балки Мени Юборганни
қабул қилган бўлади.

Бизга қарши бўлмаган — биз томондадир

38 Юҳанно Исога деди:
— Устоз! Биз бир одамни кўрдик. У Сизнинг номингиз билан жинларни қувиб
чиқараётган экан. У биз билан юрмагани учун унга бундай қилишни ман этдик.
39 Исо шундай деди:
— Ман этманг! Чунки Менинг номим билан мўъжиза яратган бирор бир кимса
дарров Мени ёмонлай олмайди. 40 Ким бизга қарши бўлмаса, у биз томонда.
41 Сизларга чинини айтай: Масиҳга тегишли бўлганингиз учун сизга бир пиёла сув
берган ҳар қандай одам албатта мукофотини олади.

Йўлдан оздириш ҳақида

42 Исо сўзида давом этди:
— Менга ишонган шу кичикларнинг биронтасини* йўлдан оздирган одамнинг
ҳолига вой. Бундай қилгандан кўра, ўша одамнинг бўйнига тегирмон тошини
осиб, уни денгизга ташлашгани ўзи учун яхшироқ бўларди. 43-44 Агар йўлдан
озишингга қўлинг сабабчи бўлса, уни чопиб ташла. Икки қўлинг билан сўнмас
дўзах ўтига йўлиққанингдан кўра, майиб бўлиб абадий ҳаётдан баҳраманд
бўлганинг яхшироқдир*. 45-46 Агар йўлдан озишингга оёғинг сабабчи бўлса, уни
чопиб ташла. Икки оёғинг билан дўзахга ташлангандан кўра, чўлоқ бўлиб абадий
ҳаётдан баҳраманд бўлганинг яхшироқдир*. 47 Агар йўлдан озишингга кўзинг
сабабчи бўлса, уни ўйиб ташла. Икки кўзинг билан дўзахга ташлангандан кўра,
бир кўзинг билан Худонинг Шоҳлигига кирганинг яхшироқдир. 48 Дўзахнинг
қурти ҳам ўлмайди, олови ҳам ўчмайди*. 49 Ҳар бир одам оловда тузланиб,
покланади*.* 50 Туз — яхши нарса. Лекин туз ўз шўрлигини йўқотса, қандай қилиб
тузни шўр қила оласизлар?! Туздай бўлинглар, ўзаро тинч–тотув яшанглар*.

10–БОБ

Никоҳ ва ажралиш ҳақида

1 Исо у ердан кетиб, Яҳудия ўлкасига, сўнг Иордан дарёсининг шарқ томонига
борди. Унинг атрофига яна кўп халқ йиғилди. У Ўз одатига кўра, одамларга яна
таълим берди. 2 Баъзи фарзийлар келдилар ва Исони синамоқчи бўлиб,
сўрадилар:
— Қонунга кўра, эр ўз хотинидан ажралиши мумкинми?*
3 Исо бунга жавобан:
— Мусо сизларга нимани амр қилган? — деб сўради.
4 — Эркак талоқ хатини ёзиб, хотинидан ажралишига Мусо ижозат берган
эди*, — дейишди. 5 Исо уларга деди:
— Бағри тошлигингиз учун Мусо сизларга бу амрни ёзиб қолдирган. 6 Аслида
Худо дунёни яратганда одамларни эркагу аёл қилиб яратди*. 7 “Шунинг учун
эркак киши ота–онасидан бўлак бўлиб, 8 хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир
тан бўладилар.”* Бунга кўра, улар энди икки эмас, балки бир тан ҳисобланадилар.
9 Худо бирга қўшганни бандаси ажратмасин.
10 Уйга келганларида, шогирдлар яна шу ҳақда Исодан сўрадилар. 11 Исо уларга

деди:

— Ким ўз хотини билан ажрашиб бошқасига уйланса, у хотинига нисбатан зино қилган бўлади. 12 Хотин ҳам агар ўз эри билан ажрашиб бошқасига тегса, зино қилган бўлади.

Исо болаларни дуо қилади

13 Исо болаларимизга қўл теккизсин деб, одамлар Унинг олдига болаларини олиб келишарди. Шогирдлар эса ўша одамларни койишарди. 14 Исо буни кўрганда, ғазабланиб деди:

— Болаларга йўл беринглар, Менинг олдимга келишларига тўсқинлик қилманглар! Зеро, Худонинг Шоҳлиги бундайларникидир. 15 Сизларга чинини айтайин: ким Худонинг Шоҳлигини бола каби қабул қилмаса, унга ҳеч қачон киролмайди.

16 Кейин болаларни қучоқлаб, уларга қўл қўйиб, дуо қилди.

Бойлик ва абадий ҳаёт

17 Исо йўлга чиқаётганда, бир одам югуриб келиб, Унинг олдида тиз чўкди–да:

— Валинеъмат Устоз! Абадий ҳаётга эга бўлиш учун нима қилишим керак? — деб сўради. 18 Исо унга деди:

— Нега Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас–ку! 19 Сен амрларни биласан: “Қотиллик қилма. Зино қилма. Ўғрилик қилма. Ёлғон гувоҳлик берма. Бировнинг ҳақини ема. Ота–онангни ҳурмат қилгин.”*

20 У киши Исога деди:

— Устоз! Буларнинг ҳаммасига ёшлигимдан амал қилиб келаман.

21 Исо унга меҳр билан қараб, деди:

— Сенга бир нарса етишмайди. Бориб, бор нарсангни сот, пулини камбағалларга тарқат. Шунда самода хазинанг бўлади. Кейин келиб*, Менга эргашгин.

22 Бу сўзлардан бойнинг таъби хира бўлди. У ғамгин бўлиб қайтиб кетди, чунки унинг мол–мулки кўп эди.

23 Исо атрофга разм солиб, шогирдларига деди:

— Мол–дунёси бор одамларнинг Худо Шоҳлигига кириши нақадар қийин!

24 Бу сўзларни эшитиб, шогирдларнинг ақли шошди. Исо эса такрорлаб деди:

— Болаларим, Худонинг Шоҳлигига кириш нақадар қийин!* 25 Бой одамнинг Худо Шоҳлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши осонроқдир.

26 Шогирдлар ҳаддан ташқари ажабланиб ўзларича:

— Ундай бўлса, ким нажот топа олар экан? — дейишди. 27 Исо уларга кўз тикиб деди:

— Инсон учун бу имконсиздир, лекин Худо учун эмас. Худо учун ҳамма нарсанинг имкони бор.

28 Шунда Бутрус Исога деди:

— Мана, биз уй–жойимизни ташлаб, Сизнинг орқангиздан эргашиб келдик.

29 Исо бунга жавобан деди:

— Сизларга чинини айтайин: ким Мен учун ва Хушхабар учун уй–жойини, ака–укаларини, опа–сингилларини, ота–онасини, болаларини ёки далаларини ташлаб кетса, 30 у бу дунёнинг ўзидаёқ юз ҳисса ортиқ уй–жойларга, ака–укаларга, опа–сингилларга, оналарга, болаларга ва далаларга эга бўлади, шу билан бирга қувғин ҳам қилинади. Нариги дунёда эса абадий ҳаётга сазовор бўлади. 31 Аммо биринчи бўлганларнинг кўплари охирги бўладилар, охиргилар эса биринчи

бўладилар.

Исо Ўз ўлими тўғрисида учинчи марта гапиради

32 Исо билан шогирдлари Қуддусга қараб кетаётган эдилар. Исо йўл бошлаб борарди. Шогирдлар хавотирда эди, Исонинг ортидан эргашган халқни эса ваҳима қамраб олганди. Исо ўн икки шогирдини четга олиб, Ўзи билан юз берадиган воқеаларни айта бошлади:

33 — Мана, биз Қуддусга кетяпмиз. У ерда Инсон Ўғли бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари қўлига тутиб берилади. Улар Уни ўлимга маҳкум қилиб, ғайрияҳудийларга* топширадилар. 34 Ғайрияҳудийлар Уни ҳақорат қиладилар, юзига тупурадилар, қамчилайдилар ва Уни ўлдирадилар. Лекин учинчи куни У тирилади.

Ёқуб билан Юҳаннонинг тилаги

35 Забадиё ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно Исонинг олдига келиб:

— Устоз, бизнинг бир тилагимиз бор, уни биз учун бажо келтиришингизни истаймиз, — дейишди.

36 — Сизлар учун нима қилишимни истайсизлар? — деб сўради Исо. 37 Улар:

— Сиз улуғвор тахтингизда ўтирганингизда, биримиз Сизнинг ўнг томонингизда*, бошқамиз эса чап томонингизда ўтиришимизга рухсат беринг, — дейишди. 38 Исо уларга деди:

— Сизлар нима сўраётганингизни билмайсизлар. Мен ичадиган азоб косасидан* сизлар ича оласизларми? Мен бошдан кечирадиган қайғу–аламларга ботиб чидай оласизларми?

39 Улар:

— Чидай оламиз, — деб жавоб беришди. Исо уларга деди:

— Сизлар–ку Мен ичадиган азоб косасидан ичасизлар, бошдан кечирадиган қайғу–аламларимга ўзингиз ҳам дучор бўласизлар. 40 Аммо Менинг ўнг ёки чап томонимда ўтиришга рухсат бериш Менинг ихтиёримда эмас. Бу ўрин кимларга аталган бўлса, уларники бўлади.

41 Қолган ўнта шогирд буни эшитиб, Ёқуб билан Юҳаннодан аччиқланиб кетишди. 42 Исо эса уларни ёнига чақириб, деди:

— Бутпарастларга қаранглар, улар ҳукмдорларига иззат кўрсатадилар, ҳукмдорлари эса уларга ўз ҳукмини ўтказадилар, катта амалдорлари элга зўравонлик қиладилар. 43 Аммо сизларнинг орангизда бундай бўлмасин. Аксинча, орангизда ким катта бўлишни истаса, сизларга хизмат қилсин. 44 Орангизда ким биринчи бўлишни истаса, ҳаммангизга қул бўлсин. 45 Ахир, Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи бошқаларга хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни озод қилиш учун келган.

Исо Ерихо шаҳрида кўр одамнинг кўзини очади

46 Исо билан шогирдлари Ерихо шаҳрига келдилар. Улар шаҳардан чиқиб кетаётганларида бир талай халойиқ уларга эргашди. Тимеюс ўғли Бартимеюс исмли бир кўр тиланчи йўл чеккасида ўтирган эди. 47 У Носиралик Исо ўтиб кетаётганини эшитиб:

— Эй Довуд Ўғли* Исо, менга раҳм қилинг! — деб бақира бошлади. 48 Кўп одамлар эса:

— Жим бўл! — деб унга дўқ қилишди. Лекин у:

— Эй Довуд Ўғли, менга раҳм қилинг! — деб янада қаттиқроқ бақирди.

49 Исо тўхтаб:

— Уни чақириб келинглар, — деди. Одамлар келиб, кўр одамга:

— Дадил бўл, ўрнингдан тур. У сени чақиряпти, — деб айтишди.
50 Кўр тўнини ечиб ташлаб, ўрнидан сакраб турди–да, Исонинг ёнига келди.
51 Исо ундан сўради:
— Сен Мендан нима истайсан?
— Устоз, кўзларим кўрсин! — деди кўр. 52 Исо унга:
— Боравер, ишончинг сени соғайтирди, — деди.
Ўша заҳоти у кўра бошлади. Сўнг Исонинг ортидан эргашиб кетди.

11–БОБ

Исо Қуддусга тантанали киради

1 Исо шогирдлари билан Қуддусга яқинлашиб қолган эдилар. Улар Зайтун тоғи* этагидаги Байтфагия ва Байтания қишлоқларига етиб келаётганларида, Исо шогирдларидан иккитасига деди:
2 — Анави қишлоққа* боринглар. У ерга киришингиз биланоқ, боғлиқ турган ва ҳеч қачон минилмаган хўтикни кўрасизлар. Ўша хўтикни ечиб, бу ерга олиб келинглар. 3 Агар кимдир сизлардан: “Нима қиляпсизлар?” деб сўраб қолса, “Бу хўтик Раббимиз Масиҳга керак, хўтикни У дарҳол бу ерга қайтариб юборади”, деб жавоб беринглар.
4 Улар бориб, кўчада дарвоза ёнида боғлаб қўйилган хўтикни кўриб, ечиб олишди. 5 У ерда турган бир неча киши уларга:
— Нима қиляпсизлар? Нега хўтикни ечяпсизлар? — деб сўрашди.
6 Шогирдлар Исо буюрганидек жавоб беришди, одамлар уларни қўйиб юборишди. 7 Шогирдлар хўтикни Исонинг олдига олиб келишди. Хўтик устига тўнларини ташлашди, Исо хўтикка минди. 8 Кўпчилик тўнларини йўлга пойандоз қилиб ёйди. Бошқалар эса даштдаги яшил новдаларни кесиб, йўлга тўшадилар.
9 Олдинда ва орқада юраётганлар шундай деб ҳайқиришарди:

> “Тасанно!
> Эгамиз номидан келаётган Инсон барака топсин!*
> 10 Бобомиз Довуднинг яқинлашган шоҳлиги муборак бўлсин!
> Фалак тоқида Унга тасанно ўқилсин!”

11 Исо Қуддусга кириб, Маъбадга борди, ҳамма нарсани кўздан кечирди. Кун кеч бўлиб қолганидан, Исо ўн икки шогирди билан Байтания қишлоғига қайтиб кетди.

Қуриб қолган анжир дарахти

12 Эртаси куни улар Байтаниядан чиққанларида, Исонинг қорни оч эди. 13 У узоқдан барглар билан қопланган бир анжир дарахтини кўриб қолди, дарахтдан бирон анжир топа олармиканман, деб борди. Дарахтнинг ёнига келиб, баргдан бошқа ҳеч нарса тополмади, чунки ҳали анжир териш вақти эмас эди. 14 Исо дарахтга қараб:
— Бундан кейин то абад сенинг мевангни ҳеч ким емасин! — деди.
Шогирдлари ҳам бу гапни эшитишди.

Исо олди–сотди қилувчиларни Маъбаддан қувади

15 Сўнг улар Қуддусга келишди. Исо Маъбадга кириб, ичкарида олди–сотди қилаётганларни қувиб чиқара бошлади. Саррофларнинг* хонтахталарини, каптар сотувчиларнинг курсиларини ағдариб юборди. 16 Сотиладиган молни Маъбад ичидан олиб ўтишга* ҳеч кимга ижозат бермади.

17 Исо халққа таълим бераётиб деди:
— Тавротда ёзилган–ку: “Менинг уйим барча халқларнинг ибодат уйи деб аталади.”* Сизлар эса Худонинг уйини қароқчилар уясига* айлантириб юборибсизлар!
18 Бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари буни эшитиб, Исони ҳалок қилиш пайига тушдилар. Бутун халқ Исонинг таълимотига маҳлиё бўлгани учун бош руҳонийлар билан тафсирчилар Ундан қўрқиб қолдилар.
19 Кеч киргач, Исо шогирдлари билан шаҳардан ташқарига чиқиб кетди.

Ибодат ва ишонч ҳақида

20 Эрта билан улар яна анжир дарахти ёнидан ўтиб қарашса, дарахт илдизигача қуриб қолган экан. 21 Бутрус бўлган ҳодисани эслаб, Исога деди:
— Устоз! Қаранг, Сиз лаънатлаган анжир дарахти қуриб қолибди.
22 Исо бунга жавобан деди:
23 — Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга чинини айтайин: агар кимки бу тоққа: “Қўпорилиб денгизга отил”, деса–ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади. 24 Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасангиз, олдим, деб ишонинглар ва сизга берилади. 25-26 Ибодат қилиб турганингизда бировда гинангиз бўлса, уни кечириб юборинг, токи осмондаги Отангиз ҳам сизларнинг гуноҳларингизни кечирсин*.

Исонинг ҳокимияти ҳақида савол

27 Улар яна Қуддусга келдилар. Исо Маъбадда айланиб юрган эди, бош руҳонийлар, Таврот тафсирчилари ва йўлбошчилар Унинг олдига келиб 28 сўрадилар:
— Сиз бу ишларни қандай ҳокимият билан қиляпсиз? Буларни қилиш учун Сизга ким ҳокимият берган?
29 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Мен сизларга бир савол берай. Менга жавоб берсангизлар, Мен ҳам бу ишларни қандай ҳокимият билан қилаётганимни сизларга айтаман. 30 Яҳё халқни сувга чўмдириш ҳуқуқини Худодан олганмиди ёки инсонданми? Жавоб беринглар Менга.
31 Улар ўзларича мулоҳаза юрита бошладилар:
— Агар: “Худодан”, — десак, У: “Нега Яҳёга ишонмадингизлар?” — дейди.
32 Агар: “Инсондан”, — десак–чи?
Ваҳоланки, улар оломондан қўрқардилар, чунки ҳамма Яҳёни ҳақиқий пайғамбар деб ҳисобларди. 33 Хуллас, улар Исога:
— Билмаймиз, — деб жавоб бердилар. Исо уларга деди:
— Ундай бўлса, Мен ҳам бу ишларни қайси ҳокимият билан қилаётганимни сизларга айтмайман.

12–БОБ

Ёвуз боғбонлар ҳақида масал

1 Исо халққа масаллар орқали сўзлай бошлади:
“Бир одам узумзор барпо қилибди. Атроф–теварагини девор билан ўраб, узум сиқиш чуқурини* қазибди, кузатув минорасини қурибди. Кейин узумзорни боғбонларга ижарага бериб, ўзи сафарга кетибди.
2 Йиғим–терим мавсумида, узумзор ҳосилидан тегишли улушини олиш учун ўша одам хизматкорини боғбонлар олдига юборибди. 3 Боғбонлар эса уни тутиб

олишибди, калтаклаб, қуп–қуруқ қайтариб юборишибди. 4 Узумзор эгаси яна
бошқа бир хизматкорини уларнинг олдига юборибди. Улар бунисини ҳам бошига
уриб, ҳақорат қилибдилар*. 5 Яна бошқасини йўллабди, унисини эса
ўлдиришибди. У яна хизматкорларини юбораверибди, аммо боғбонлар уларнинг
баъзиларини уриб, баъзиларини ўлдиришибди.
6 Узумзор эгасининг энди биргина одами қолибди, у ҳам бўлса, севикли ўғли
экан. У: «Ўғлимни ҳурмат этарлар» деб, боғбонлар олдига уни юборибди. 7 Лекин
улар бир–бирига:
— Бу меросхўр–ку! Уни ўлдирайлик, шунда мероси бизга қолади, —
дейишибди. 8 Ўғлини ушлаб, ўлдириб, жасадини узумзордан чиқариб
ташлашибди.
9 Хўш, сизнингча, энди узумзор эгаси нима қилар экан? У келиб боғбонларни
ўлдиради, узумзорни эса бошқаларга ижарага беради.
10 Наҳотки сизлар Муқаддас битиклардаги ушбу сўзларни ҳеч ўқимаган
бўлсангиз:

«Бинокорлар рад этган тош
Бинонинг тамал тоши* бўлди.
11 Бу Эгамизнинг қилган ишидир,
Кўз олдимиздаги ажойиботдир.»”*

12 Исо айтган бу масал яҳудий йўлбошчиларга қарши қаратилган эди. Улар буни
англаб етдилар–у, Исони қўлга олмоқчи бўлдилар. Аммо халқдан қўрққанлари
учун Унга қўл теккизмай кетиб қолдилар.

Худонинг ҳақи Худога

13 Исони тилидан илинтириш учун Унинг олдига фарзийлардан ва Ҳирод
тарафдорларидан* баъзиларини юбордилар. 14 Улар келиб дедилар:
— Устоз, одил эканингизни биламиз. Сиз бирор кишига хушомадгўйлик
қилмайсиз. Одамларга юз–хотир қилмасдан, Худонинг йўлини тўғри ўргатасиз.
Айтинг–чи, Қайсарга* солиқ тўлашимиз* тўғрими ёки йўқми? Биз солиқ
тўлайликми ёки тўламайликми?
15 Исо уларнинг иккиюзламачилигини билар эди.
— Нима, Мени синаб кўрмоқчимисизлар? Менга бир динор* олиб келинглар,
уни бир кўрайин, — деди.
16 Улар олиб келгач, Исо сўради:
— Бу тангадаги сурат ва ёзув кимники?
— Қайсарники, — деди улар. 17 Исо уларга:
— Қайсарнинг ҳақини Қайсарга, Худонинг ҳақини Худога беринглар, — деди.
Буни эшитганлар ҳайратда қолдилар.

Қиёмат ҳақида савол

18 Саддуқийлар* ўликларнинг тирилишини инкор этардилар. Уларнинг
баъзилари Исонинг олдига келиб, халқ олдида Унга шундай савол бердилар:
19 — Устоз! Мусо бизга шундай ёзиб қолдирган*: агар бировнинг акаси
фарзанд кўрмай ўтиб кетса, укаси акасининг хотинига уйланиб, акаси учун
фарзандни дунёга келтирсин. 20 Хўш, етти ака–ука бўлган экан. Биринчиси
уйланибди, сўнг насл қолдирмай ўлиб кетибди. 21 Иккинчиси ҳам ўша хотинни
олиб, фарзанд кўрмай оламдан ўтибди. Учинчиси ҳам шу кўйга тушибди.
22 Шунингдек, ака–укаларнинг еттови ҳам фарзанд кўрмай оламдан ўтибди.
Охирида хотин ҳам қазо қилибди. 23 Айтинг–чи, Худо одамларни тирилтирганда

хотин қайси бирининг хотини ҳисобланади? Еттови ҳам унга уйланган эдилар–ку!
24 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Сизлар Муқаддас битикларни* ҳам, Худонинг қудратини ҳам билмайсизлар, ана шу сабабдан адашяпсизлар. 25 Ўликлар тирилганда уйланмайдилар, эрга ҳам тегмайдилар, балки бамисоли самодаги фаришталардай бўладилар.
26 Ўликларнинг тирилиши ҳақидаги масалага келсак: наҳотки сизлар ҳеч қачон Мусонинг китобини ўқимаган бўлсангизлар?! Ёнаётган бута тўғрисидаги воқеада* Худо Мусога: “Мен Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худосиман”, — деган–ку!
27 Ахир, Худо ўликларнинг эмас, тирикларнинг Худосидир. Сизлар ниҳоятда адашяпсизлар.

Энг муҳим илоҳий амр

28 Таврот тафсирчиларидан бири уларнинг мунозара қилаётганини эшитиб, Исонинг уларга яхши жавоб бериб турганини кўрди. У Исонинг олдига келиб:
— Амрларнинг энг муҳими қайси бири? — деб сўради. 29 Исо унга жавоб бериб деди:
— Энг муҳим амр шудир: “Эй Исроил, қулоқ сол! Эгамиз Худо танҳо Эгадир*.
30 Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг.”* 31 Энг муҳим амрлардан иккинчиси: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг.”* Булардан буюкроқ амр йўқ.
32 — Яхши гапирдингиз, Устоз, — деди Исога тафсирчи. — Худо танҳодир, Ундан бошқа Худо йўқ, деб тўғри айтдингиз. 33 Уни бутун қалбимиз, бутун идрокимиз билан, кучимиз борича* севишимиз керак. Ўзгани ҳам ўзимизни севгандай севишимиз керак. Куйдириладиган ва бошқа қурбонликлар келтиришдан бу аълороқдир.
34 Исо унинг оқилона жавоб берганини кўриб:
— Сиз Худонинг Шоҳлигидан узоқда эмассиз, — деди.
Шундан кейин ҳеч ким Исога савол беришга журъат этмади.

Масиҳ кимнинг ўғли?

35 Исо Маъбадда таълим бераётиб, шундай савол берди:
— Қандай қилиб Таврот тафсирчилари Масиҳни Довуднинг Ўғли* дейдилар?
36 Довуднинг ўзи Муқаддас Руҳ илҳоми билан деганки:

> “Эгамиз айтмоқда Раббимга:
> Душманларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча,
> Сен Менинг ўнг томонимда* ўтиргин.”*

37 Демак, Довуднинг ўзи Масиҳни Раббим деб атаган бўлса, қандай қилиб Масиҳ Довуднинг Ўғли бўлади?!
Бир талай оломон Исони иштиёқ билан тинглар эди.

Исо сохта диндорлик тўғрисида огоҳлантиради

38 Исо халққа насиҳат қилиб, яна шундай деди:
— Таврот тафсирчиларидан эҳтиёт бўлинглар! Улар узун кийимлар кийишни яхши кўрадилар, бозорларда юрганда уларга салом беришларини,
39 синагогаларда яхши жойларда ўтиришни, зиёфатларда тўрда ўтиришни ёқтирадилар. 40 Аммо бева аёлларнинг уй–жойларини тортиб оладилар, хўжа кўрсинга узоқ дуо ўқийдилар. Бундай одамлар ниҳоятда қаттиқ жазога мубтало бўладилар.

Бева аёлнинг хайр–эҳсони

41 Исо Маъбад хазинаси қаршисида ўтириб, эҳсон қутисига пул солаётган
одамларни кузатиб турди. Кўп бойлар анчагина пул ташладилар. 42 Бир камбағал
бева аёл ҳам келиб, қиймати бир тийинга тўғри келадиган икки чақа* ташлади.
43 Шунда Исо шогирдларини ёнига чақириб деди:
— Сизларга чинини айтайин, бу камбағал бева аёл хазинага пул
ташлаганларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ ташлади. 44 Чунки бойларнинг ҳаммаси
ўзларининг ортиқча пулларидан эҳсон қилдилар. Бу аёл эса камбағаллигига
қарамасдан, ўзининг бор–йўғини, рўзғорига ишлатиладиган ҳамма пулини
ташлади.

13–БОБ

Исо охирзамон ҳақида гапиради

1 Исо Маъбаддан чиқиб кетаётганда шогирдларидан бири:
— Устоз, қаранг, нақадар улкан тошлар, нақадар ҳашаматли бинолар! — деди.
2 Исо унга:
— Бу ҳашаматли биноларни кўряпсанми? Буларнинг ҳаммаси вайрон бўлади*.
Бу ерда тош устида турган бironта тош қолмайди, — деди.
3 Исо Зайтун тоғида*, Маъбаднинг рўпарасида ўтирган вақтда Бутрус, Ёқуб,
Юҳанно ва Эндрус Ундан алоҳида сўрадилар:
4 — Бизга айтинг–чи, бу ҳодисалар қачон юз беради? Тез орада содир
бўлишини нимадан билсак бўлади?
5 Исо уларга шундай жавоб берди: “Эҳтиёт бўлинглар, ҳеч ким сизларни
йўлдан оздирмасин! 6 Кўп кишилар ўзларини Менинг номим билан атаб: «Мен
Ўшаман», деб кўпларни йўлдан оздирадилар. 7 Сизлар узоқ–яқиндаги уруш
хабарларини эшитганингизда, чўчиманглар. Булар албатта содир бўлади, аммо бу
ҳали охири дегани эмас. 8 Халқ халққа қарши, шоҳлик шоҳликка қарши
кўтарилади. Айрим жойларда қаҳатчилик ва зилзилалар бўлади. Бу ҳодисалар
тўлғоқ азобларининг бошланишига ўхшайди.
9 Сизлар эса ўзингизга эҳтиёт бўлинглар. Чунки сизларни маҳкамаларга
топшириб, синагогаларда урадилар. Мен туфайли сизларни ҳокимлар ва шоҳлар
ҳузурида турғизиб қўядилар, сизлар эса Менинг шоҳидларим бўласизлар. 10 Аммо
охират келишидан олдин, Хушхабар ҳамма халқларга эълон қилиниши лозим.
11 Сизларни қўлга олиб, маҳкамага топширганларида, нима айтамиз, деб
олдиндан хавотир олманглар. Ўша соатда сизларга нима берилса, ўшани
айтинглар. Чунки ўшанда сизлар эмас, балки Муқаддас Руҳ гапиради. 12 Ака
укасини, ота боласини ўлимга топширади. Болалар ўз ота–оналарига қарши
чиқиб, уларни ўлдиртирадилар. 13 Менинг номим туфайли ҳамма сизлардан
нафратланади. Лекин охиригача бардош берган нажот топади.

Буюк мусибат ва Исонинг келиши

14 Кўп ҳаром–хариш ишларга сабаб бўладиган макруҳ бир нарсанинг* ман
этилган жойга ўрнатилганини кўрганингизда — ўқиган тушуниб олсин! —
Яҳудияда бўлганлар тоғларга қочишсин. 15 Томнинг устида бўлганлар* пастга
тушиб, уйидан бирон нарса олиб келиш учун уйига киришмасин. 16 Далада
бўлганлар эса тўнини олгани қайтиб келмасин. 17 У кунларда ҳомиладор ва
эмизикли аёлларнинг ҳолига вой! 18 Қочишингиз қишга тўғри келмаслиги учун
илтижо қилинглар. 19 Чунки ўша кунларда шундай азоб–уқубатлар бўладики,
Худо дунёни яратганидан то ҳозиргача бундай бўлмаган ва қайтиб содир

бўлмайди. 20 Агар Эгамиз ўша кунларни қисқартирмаганда эди, ҳеч бир жонзот омон қолмас эди. Лекин Худо танлаган одамлари учунгина ўша кунларни қисқартиради.
21 Агар ўшанда кимдир сизларга: «Масиҳ мана бу ерда» ёки: «Ана у ерда», деб айтса, ишонманглар. 22 Чунки сохта масиҳлар ва сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, иложи бўлса, танланган одамларни йўлдан оздириш учун аломату мўъжизалар кўрсатадилар. 23 Сизлар эса эҳтиёт бўлинглар. Мен ҳаммасини сизларга олдиндан айтиб қўйдим.
24 Ўша кунларда, азоб–уқубатлардан кейин,

«Қуёш қораяди, ойнинг нури сўнади.
25 Осмондан юлдузлар қулаб тушади,
Самовий кучлар ларзага келади.»*

26 Шунда ҳамма одам Инсон Ўғлини кўради. Инсон Ўғли буюк қудрат ва улуғворликка бурканиб, булутларда келади*. 27 У фаришталарини ернинг тўрт томонига юбориб, дунёнинг бир бурчагидан тортиб, нариги бурчагигача танлаган одамларини тўплаб олади.

Ҳушёр бўлиш ҳақида

28 Анжир дарахтидан сабоқ олинглар: унинг шохлари кўкариб барг чиқараётганда, ёз яқинлашганини биласизлар. 29 Шу сингари, мана бу воқеалар содир бўлганда, билингки, ўша вақт* яқинлашиб қолган, остонангизга етган. 30 Сизларга чинини айтайин: бу насл ўтмасданоқ, буларнинг ҳаммаси содир бўлади. 31 Еру осмон йўқ бўлиб кетади, аммо Менинг сўзларим кучда қолади.
32 Ўша кун ёки соат ҳақида самовий Отамдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ўғил ҳам, самодаги фаришталар ҳам билмайдилар. 33 Эҳтиёт бўлиб, ҳушёр туринглар*, чунки ўша вақт–соат қачон келишини сизлар билмайсизлар.
34 Бу худди сафарга жўнаган уй эгасига ўхшайди. У ўз уй–рўзғорини хизматкорларига топшириб, ҳар бирига вазифа бериб, дарвозабонга ҳушёр бўлиб туришни буюриб, жўнаб кетади. 35 Худди шу сингари, сизлар ҳам ҳушёр бўлиб туринглар. Чунки уй эгаси қачон келишини — кечқурунми, ярим тундами, хўрозлар қичқиргандами ёки эрталабми — сизлар билмайсизлар. 36 Тағин У ногаҳон келиб, сизларни ухлаб ётган ҳолда кўрмасин! 37 Сизларга айтганимни ҳаммага айтаман: ҳушёр бўлинглар!”

14–БОБ

Исони ўлдириш режаси

1 Фисиҳ зиёфатига ва Хамиртурушсиз нон байрамига* икки кун қолган эди. Бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари Исони ҳийла билан тутиб, ўлдириш учун фурсат пойлаб юрган эдилар. 2 Улар: “Биз бу ишни байрам кунлари қилмаслигимиз керак, акс ҳолда, халқ ғалаён кўтариши мумкин”, дедилар.

Исога сунбул мойи қуйган аёл

3 Исо Байтания қишлоғида* илгари тери касаллигига* чалинган Шимўннинг* уйида меҳмон бўлиб ўтирган эди. Шунда бир аёл ганчдан* ясалган идишда тоза, қимматбаҳо сунбул мойи* олиб келди. Идишни синдириб очиб, мойни Исонинг бошидан қуйди. 4 Баъзилар бундан ғазабланиб, бир–бирига:
— Мойни бундай исроф этишнинг нима кераги бор эди?! 5 Ахир, уни уч юз кумуш тангадан* ҳам кўпроққа сотиб, камбағалларга тақсимлаб бериш мумкин

эди–ку! — деб аёлни қаттиқ койишди.
6 — Қўйинглар уни! — деди Исо. — Нега аёлни хижолатда қолдиряпсизлар? У
Мен учун ажойиб иш қилди. 7 Камбағаллар ҳар доим сизлар билан бирга
бўладилар. Истаган вақтингизда уларга ёрдам бера оласизлар. Лекин Мен сизлар
билан доимо бирга бўлмайман. 8 Бу аёл қўлидан келганини қилди. У Менинг
танамга хушбўй мой суртиб, олдиндан дафнга тайёрлади*. 9 Сизларга чинини
айтайин: Хушхабар дунёнинг қайси ерида эълон қилинмасин, бу аёл ҳам эсга
олиниб, унинг қилган иши ҳақида айтилади.
10 Шунда ўн икки шогирддан бири бўлган Яҳудо Ишқариёт бош
руҳонийларнинг олдига бориб, Исони сизларга тутиб бераман, деди. 11 Бош
руҳонийлар бу гапни эшитиб, жуда хурсанд бўлдилар, Яҳудога пул беришни
ваъда қилдилар. Шундай қилиб, Яҳудо Исони тутиб бериш учун қулай вақтни
кута бошлади.

Қутлуғ кеча ва Исога хиёнат

12 Хамиртурушсиз нон байрамининг биринчи кунида, Фисиҳ қўзиси
сўйиладиган пайтда шогирдлар Исодан сўрадилар:
— Фисиҳ таомини қаерда емоқчисиз? Биз бориб тайёргарлик кўрайлик.
13 Исо шогирдларидан иккитасини юбораётиб, уларга деди:
— Қуддусга боринглар, у ерда кўзада сув кўтариб кетаётган бир одамни
учратасизлар. Унинг орқасидан боринглар. 14 У кирадиган хонадон эгасига
шундай деб айтинглар: “Устозимиз шогирдлари билан Фисиҳ таомини
емоқчилар. У сиздан: «Бизга тайёрлаб қўйилган меҳмонхона қаерда?» деб сўраб
юбордилар.” 15 Уй эгаси сизларга жиҳозланган, тайёрлаб қўйилган катта
болохонани кўрсатади. У ерда биз учун ҳозирлик кўринглар.
16 Шогирдлар жўнашди. Шаҳарга кирганларида, худди Исонинг айтганини
топдилар ва Фисиҳ таомини тайёрладилар. 17 Кеч кирганда, Исо ўн икки шогирди
билан бирга у ерга келди.
18 Улар овқатланиб ўтирганларида Исо шундай деди:
— Сизларга чинини айтайин, Мен билан таом еяётган киши Менга хиёнат
қилади. У сизларнинг орангиздадир.
19 Шогирдлар хафа бўлиб, бирин–кетин:
— Наҳотки ўша мен бўлсам? — деб Ундан сўрай бошладилар.
20 Исо уларга жавобан деди:
— У ўн иккитангиздан биттаси, Мен билан баравар косага нонни ботирган —
ўшадир. 21 Тўғри, Инсон Ўғли У ҳақда ёзилгандай жон беради. Лекин Инсон Ўғлига
хиёнат қилган одамнинг ҳолига вой! Унинг туғилганидан кўра, туғилмагани
яхшироқ эди.
22 Улар овқатланаётганда, Исо нонни олди, дуо ўқиб синдирди. Нонни
шогирдларига бериб:
— Олинглар, бу Менинг танамдир, — деди. 23 Шароб қуйилган косани ҳам
олди, шукрона дуосини ўқиб уларга узатди. Ҳаммалари ундан ичдилар. 24 Исо
уларга деди:
— Бу шароб Худонинг аҳдини* билдиради. Бу аҳд кўплар учун тўкиладиган
қоним эвазига кучга киради. 25 Сизларга чинини айтайин: Худонинг Шоҳлигида
Мен янги шароб ичадиган кунгача узум неъматини оғзимга ҳам олмайман.
26 Сўнг улар ҳамду сано куйлаб, Зайтун тоғи* томон кетдилар.

Бутруснинг Исодан тониши ҳақида башорат

27 Исо шогирдларига деди:

— Ҳаммаларингиз Мени ташлаб, қочиб кетасизлар. Чунки ёзилган:

“Мен чўпонни ўлдираман,
Шунда қўйлар ҳар ёққа тарқалиб кетади.”*

28 Бироқ Мен тирилганимдан кейин, сизларни Жалилада кутаман.
29 Бутрус Исога деди:
— Сизни ҳамма ташлаб кетса ҳам, мен Сизни ташлаб кетмайман!
30 Исо унга:
— Сенга чинини айтайин, бугун, шу кечасиёқ, хўроз икки марта қичқирмасдан олдин, сен Мендан уч марта тонасан, — деди.
31 Лекин Бутрус ўз гапида қаттиқ туриб олди:
— Керак бўлса, Сиз билан бирга ўламан! Аммо Сиздан асло тонмайман! — деди. Бошқа ҳамма шогирдлар ҳам шундай дейишди.

Исонинг боғдаги ибодати

32 Улар Гетсемания* деган жойга бордилар. Исо шогирдларига:
— Мен ибодат қилаётганимда, сизлар шу ерда ўтириб туринглар, — деди.
33 У ёнига Бутрусни, Ёқуб ва Юҳаннони олди. Исони қайғу, ғам босиб кела бошлади. 34 У шогирдларига:
— Юрагимдаги оғир қайғу Мени ўлгудай қийнаб юборди. Шу ерда қолинглар–да, кўз–қулоқ бўлиб туринглар, — деди.
35 Бир оз нари кетиб ерга мук тушди: “Агар иложи бўлса, бу лаҳза Мени четлаб ўтсин”, деб ибодат қилди. 36 У шундай деб ёлворди:
— Отажон!* Сен учун ҳамма нарсанинг имкони бор! Бу азоб косасини* Мендан узоқлаштир. Аммо Менинг хоҳишим эмас, Сенинг хоҳишинг бажо бўлсин.
37 Исо қайтиб келиб, шогирдларининг ухлаб ётганини кўрди. Бутрусга деди:
— Шимўн!* Ухлаяпсанми? Бир соатгина ҳам уйғоқ ўтира олмадингми?
38 Кўз–қулоқ бўлиб туринглар, васвасага тушиб қолмайлик, деб ибодат қилинглар*. Руҳ тетик, тана эса заифдир.
39 Исо яна бориб, ўша сўзларни айтиб ибодат қилди. 40 У қайтиб келиб, шогирдларининг яна ухлаб ётганини кўрди. Уларнинг кўзлари юмилиб кетаверган эди. Улар Исога нима деб айтишни билмай қолдилар.
41 Учинчи марта бориб келиб, Исо шогирдларига деди:
— Ҳалигача дам олиб, ухлаб ётибсизларми?! Бўлди, вақт–соати келди! Инсон Ўғли гуноҳкорлар қўлига тутиб бериляпти. 42 Туринглар, кетайлик! Ана, Менга хоинлик қилувчи келяпти!

Исо ҳибсга олинади

43 Исо ҳали гапини тугатмаган ҳам эдики, Яҳудо келиб қолди. У ўн икки шогирддан бири бўлиб, унинг ёнида қилич ва таёқ кўтариб олган оломон бор эди. Бу оломонни бош руҳонийлар, Таврот тафсирчилари ва йўлбошчилар юборган эдилар. 44 Хоин Яҳудо оломон билан тил бириктириб, шундай деганди: “Мен кимни ўпсам, У ўша Кишидир. Уни қўлга олинглар, қўриқлаб, олиб кетинглар.”
45 Яҳудо тўппа–тўғри Исонинг олдига бориб:
— Устоз! — деб Уни ўпди.
46 Шу заҳотиёқ одамлар Исони ушлаб, қўлга олдилар. 47 Ўша ерда турганлардан бири қиличини қинидан суғурди–да, олий руҳонийнинг хизматкорига бир уриб, қулоғини кесиб ташлади.
48 Исо уларга деди:
— Сизлар Мени қўлга олиш учун қўзғолончига қарши чиққандек қиличу

таёқлар билан қуролланиб келибсизлар. [49] Мен ҳар куни Маъбадда сизнинг орангизда эдим, таълим берардим. Сизлар ўшанда Мени қўлга олмадингизлар. Аммо булар Муқаддас битикларда* айтилганлар бажо бўлиши учун рўй берди.

[50] Ўшанда ҳамма шогирдлари Исони ташлаб, қочиб кетишди. [51] Бир ёш йигит Исога эргашиб кетаётган эди. У зиғир матосига ўраниб олган, бошқа кийими йўқ эди. Одамлар ўша йигитни ҳам ушлаган эдилар, [52] у зиғир матосини ташлаб, яланғоч ҳолича қочиб кетди.

Исо яҳудийларнинг Олий кенгаши олдида

[53] Исони олий руҳонийнинг олдига олиб келдилар. Бош руҳонийлар, йўлбошчилар ва Таврот тафсирчиларининг ҳаммаси йиғилган эдилар. [54] Бутрус эса Исонинг орқасидан масофа сақлаб эргашиб келиб, олий руҳонийнинг ҳовлисига кирди. У соқчилар билан бирга олов ёнида ўтириб, исинди.

[55] Бош руҳонийлар ва Олий кенгашнинг* барча аъзолари Исони ўлимга маҳкум қилиш учун Унга қарши гувоҳ излар эдилар*, лекин тополмасдилар. [56] Кўп одамлар Унга қарши сохта гувоҳлик бераётган бўлсалар–да, аммо берган гувоҳликлари бир–бирига мос келмас эди. [57] Сохта гувоҳлардан баъзилари сўзга чиқиб шундай дер эдилар:

[58] — У: “Инсон қўли билан қурилган бу Маъбадни Мен бузиб ташлайман–у, уч кунда инсон қўлларисиз, бошқа бир Маъбадни тиклайман”, — деганини эшитган эдик*.

[59] Лекин бу хусусда ҳам гувоҳларнинг берган маълумотлари бир–бирига мос келмас эди.

[60] Бундан кейин олий руҳоний олдинга чиқиб, Исога:

— Индамай тураверасанми?! Уларнинг Сенга қўйган айбларига жавоб қайтармайсанми?! — деди.

[61] Исо эса индамади, ҳеч жавоб қайтармади. Олий руҳоний яна Ундан сўради:

— Муборак Худонинг Ўғли* — Масиҳ Сенмисан?

[62] Исо деди:

— Мен Ўшаман. Сизлар Инсон Ўғлини Қодир Худонинг ўнг томонида ўтирганини* ва осмон булутларида келаётганини кўрасизлар*.

[63] Шундан кейин олий руҳоний ўз кийимларини йиртиб* деди:

— Бизларга бошқа гувоҳларнинг нима кераги бор?! [64] Унинг куфр кетганини ўзларингиз эшитдингизлар. Сизларнинг қарорингиз қандай?

Ҳаммалари Уни ўлимга лойиқ деб топишди. [65] Баъзилар Унга тупуришди. Унинг юз–кўзини боғлаб, муштлашди: “Пайғамбар, қани, топ–чи, Сени ким урди экан?” деб айтишди. Соқчилар ҳам Уни олиб кетиб, урдилар.

Бутрус Исодан тонади

[66] Бутрус пастдаги ҳовлида экан, олий руҳонийнинг бир чўриси келиб қолди. [67] Исиниб турган Бутрусни кўриб, унга тикилиб қаради–да:

— Сиз ҳам ўша Носиралик Исо билан бирга эдингиз–ку! — деди. [68] Лекин Бутрус инкор этиб:

— Нима деяпсан ўзи, тушунмаяпман, — деди–ю, бошқа ёққа, ташқи ҳовлига чиқиб кетди. Шу пайт хўроз қичқирди.

[69] Чўри уни яна учратиб, у ерда турганларга:

— Бу одам ўшалардан бири, — деб яна айтди.

[70] Бутрус яна инкор этди.

Бир оздан кейин у ерда турганлар яна Бутрусга гапира бошлашди:

— Сен Жалилаликсан–ку!* Ўшалардан бири эканлигинг аниқ*.

71 — Худо урсин! Сизлар айтаётган бу Одамни мен танимайман! — деб қасам ичди Бутрус.
72 Нақ шу пайт хўроз иккинчи марта қичқирди. Исонинг: “Хўроз икки марта қичқирмасдан олдин, сен Мендан уч марта тонасан” деган сўзи Бутруснинг эсига тушиб кетди. У чидолмай йиғлаб юборди.

15–БОБ

Исо Пилат ҳузурида

1 Тонг отар–отмас, бош руҳонийлар, йўлбошчилар, Таврот тафсирчилари ва Олий кенгашнинг қолган аъзолари бир қарорга келишди. Улар Исони боғлатиб, ҳоким Пилатга* олиб бориб топширишди. 2 Пилат Исодан:
— Сен яҳудийларнинг Шоҳимисан? — деб сўради.
— Сиз шунақа дейсиз, — деб жавоб берди Исо.
3 Бош руҳонийлар Уни кўп масалада айблаётган эдилар. 4 Пилат яна Унга:
— Сен ҳеч нарсага жавоб бермайсанми? Кўряпсан–ку, улар Сени кўп жиноятларда айблашяпти! — деди. 5 Лекин Исо бошқа ҳеч жавоб бермади. Пилат бунга қойил қолди.
6 Ҳар Фисиҳ байрамида* Пилат халқнинг илтимосига биноан бир маҳбусни озод қилар эди. 7 Исён* вақтида қотиллик қилган Бараббас исмли бир киши ўз шериклари билан ўшанда қамоқда эди. 8 Халқ яна келиб, Пилатдан одатдагидай бир маҳбусни озод қилишни сўрай бошлади.
9-10 Бош руҳонийлар Исони ҳасад туфайли қўлга туширишганини билган Пилат оломондан:
— Сизлар учун яҳудийларнинг Шоҳини озод қилишимни истайсизларми? — деб сўради. 11 Аммо бош руҳонийлар: “Унинг ўрнига Бараббасни озод қилишни Пилатдан сўранглар”, деб оломонни қўзғадилар. 12 Пилат уларга яна деди:
— Айтинглар хоҳишингизни! Сизлар “Яҳудийлар Шоҳи” деб атайдиган Кишини нима қилай?
13 — Хочга михлансин! — деб шовқин солди оломон. 14 Пилат улардан:
— Нимага? У нима ёмонлик қилди? — деб сўради. Лекин оломон:
— Хочга михлансин! — деб баттар бақирарди.
15 Шундан кейин Пилат халқни мамнун қилай деб, Бараббасни озод этди. Исони эса қамчилатиб, хочга михлашни буюрди.

Аскарлар Исони ҳақорат қилишади

16 Рим аскарлари Исони ҳукумат саройининг ҳовлисига олиб бориб, бутун бўлинмани Унинг олдига тўплашди. 17 Унга сафсар тўн кийдиришди ва тиканлардан тож ўриб бошига қўйишди.
18 — Яшавор, эй яҳудийларнинг Шоҳи! — деб Уни қутлай бошлашди. 19 Қамиш билан Унинг бошига қайта–қайта уриб, тупуришди. Унинг олдида тиз чўкиб, таъзим қилишди. 20 Уни шундай масхара қилганларидан кейин, устидан сафсар тўнни ечиб олиб, Ўзининг кийимларини кийдиришди. Сўнг Уни хочга михлаш учун олиб кетишди.

Исо хочга михланади

21 Аскарлар йўлда Шимўн деган одамни учратиб қолдилар. У даладан қайтиб келаётган эди. Улар Шимўнни Исонинг хочини* кўтариб боришга мажбур қилдилар. Шимўн Киринеялик* бўлиб, Искандар ва Руфуснинг отаси эди.
22 Аскарлар Исони Гўлгота деган жойга олиб келишди. Гўлгота “бош суяги”

маъносини беради. 23 Исога мирра аралаштирилган шароб* беришди, лекин У
ичмади. 24 Бундан сўнг Исони хочга михлаб қўйишди. Унинг кийимларини эса
ўзаро бўлишиб, ким нима олади, деб қуръа ташлашди*.
25 Уни хочга михлаганларида эрталаб соат тўққиз* эди. 26 Бош томонида:
“Яҳудийларнинг Шоҳи” деб ёзилган айбнома бор эди. 27-28 Исо билан бирга иккита
қароқчини ҳам михлаган эдилар. Уларнинг бири Исонинг ўнг томонида,
иккинчиси эса чап томонида эди*.
29 Ўтиб кетаётганлар бошларини чайқаб, Исони ҳақоратлашарди*:
— Эй Маъбадни бузиб, уч кун ичида тиклайдиган! 30 Ўзингни Ўзинг қутқариб,
хочдан тушиб кўр–чи!
31 Бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари ҳам уларга қўшилиб, Исони
масхаралай кетишди. Улар бир–бирига:
— У бошқаларни қутқарарди, Ўзини эса қутқара олмайди! 32 Исроилнинг Шоҳи
Масиҳ энди хочдан тушсин, токи биз буни кўриб Унга ишонайлик! — дейишарди.
Исо билан бирга хочга михланганлар ҳам Уни ҳақоратлар эдилар.

Исо жон беради

33 Туш пайти бутун юртни зулмат қоплади. Соат учга* қадар ҳамма ёқ зулматга
чўмди. 34 Соат учда Исо баланд овоз билан:
— Элоҳи, Элоҳи, ламо шавақтани?* — деб фарёд қилди. Бу сўзнинг таржимаси:
“Эй Худойим! Эй Худойим! Нега Мени тарк этдинг?!”* демакдир.
35 У ерда турган баъзилар буни эшитиб:
— Қаранг, У Илёсни* чақиряпти, — дейишди. 36 Шунда бир одам югуриб бориб,
шимгични арзон шаробга* ботириб, қамишнинг учига илиб қўйди–да, Исога ичиш
учун узатди. Сўнг деди:
— Қани, кўрайлик–чи, Илёс келиб*, Уни хочдан туширармикан?
37 Аммо Исо қаттиқ фарёд қилди–ю, жон берди. 38 Шу заҳоти Маъбаддаги
парда* юқоридан пастгача йиртилиб, иккига бўлиниб кетди. 39 Исонинг
қаршисида турган Рим юзбошиси Унинг шу тарзда жон берганини кўриб:
— Ҳақиқатан ҳам бу Одам Худонинг Ўғли* экан! — деди.
40 У ерда узоқдан қараб турган аёллар бор эди. Улар орасида Магдалалик*
Марям, кичик Ёқуб билан Юсуфнинг онаси Марям ҳамда Саломия бор эдилар.
41 Исо Жалилада эканлигида, улар Унга хизмат қилиб, эргашиб келган эдилар. У
ерда Исо билан бирга Қуддусга келган бошқа кўп аёллар ҳам бор эди.

Исо дафн қилинади

42 Жума куни кеч киришига оз қолган*, Шаббат кунига тайёргарлик қилиш
вақти тугаётган эди. 43 Шунда Олий кенгашнинг обрўли аъзоси, Худонинг
Шоҳлигини интизорлик билан кутиб юрган Ариматеялик* Юсуф журъат этиб,
Пилатнинг ҳузурига борди ва Исонинг жасадини сўради. 44 Пилат Исонинг дарров
ўлганига ҳайрон бўлди. Юзбошини чақириб:
— Унинг жони узилиб бўлдими? — деб сўради. 45 Пилат Исонинг ўлганини
юзбошидан билиб олгач, Унинг жасадини Юсуфга берди.
46 Юсуф зиғир матоси сотиб олди. Жасадни хочдан тушириб олиб, зиғир
матоси билан кафанлади. Жасадни қояда ўйилган қабрга қўйди. Кейин қабрнинг
оғзига бир тошни юмалатиб келтириб, қўйиб кетди. 47 Исонинг жасади қаерга
дафн қилинганини Магдалалик Марям билан Юсуфнинг* онаси Марям кўрди.

16–БОБ

Исо тирилади

1 Шаббат куни тугагач*, Магдалалик* Марям, Ёқубнинг онаси Марям ва
Саломия Исонинг жасадига суртиш учун хушбўй мойлар сотиб олдилар*.
2 Якшанба куни жуда барвақт туриб, тонг ёришганда қабрга бордилар. 3 Улар
бир–бирига:

— Қабр оғзидаги тошни биз учун ким ағдариб берар экан–а? — деб
айтишарди.

4 Қабрга етиб келганларида қарашса, тош аллақачон ағдарилган экан. Тош
жуда катта эди. 5 Улар қабр ичига кириб, ўнг томонда ўтирган оқ либосли бир
йигитни кўрдилар–у, чўчиб кетдилар.

6 Йигит уларга:

— Қўрқманглар! — деди. — Сизлар хочга михланган Носиралик Исони
излаяпсизлар. Исо тирилди! У бу ерда йўқ. Мана Унинг қўйилган жойи! 7 Энди
бориб, Унинг шогирдлари ва Бутрусга: “Исо сизларни Жалилада кутяпти. Ўзи
сизларга айтганидек*, Уни ўша ерда кўрасизлар”, деб айтинглар.

8 Даҳшатга тушиб, қалтираган аёллар қабрдан чиқиб, қочдилар. Улар
қўрққанларидан ҳеч кимга бирон нарса айтмадилар*.

Исо Магдалалик Марямга зоҳир бўлади

9 Якшанба куни эрта саҳарда тирилган Исо биринчи бўлиб Магдалалик
Марямга зоҳир бўлди. Бу аёлдан У еттита жинни қувиб чиқарган эди. 10 Марям
бориб, Исонинг аза тутиб йиғлаётган шогирдларига хабар етказди. 11 Бироқ улар
Исонинг тирик эканлигини ва Марям Уни кўрганлигини эшитсалар ҳам,
ишонмадилар.

Исо шогирдларига зоҳир бўлади

12 Шундан кейин Исо йўлда бир қишлоқ томон кетаётган иккита шогирдига
бошқачароқ қиёфада кўринди. 13 Улар эса қайтиб келиб, бошқаларга хабар
етказишди, лекин уларга ҳам ишонмадилар.

14 Ниҳоят, Исо Ўзининг еб–ичиб ўтирган ўн бир шогирдига зоҳир бўлди. Исо
шогирдларини имонлари заифлиги ва қайсарлиги учун койиди, чунки улар Исони
тирилган ҳолда кўрган одамларга ишонмаган эдилар.

15 Исо шогирдларига деди:

— Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Хушхабарни эълон
қилинглар. 16 Кимки Хушхабарга ишониб, сувга чўмдирилса, нажот топади.
Ишонмаган эса маҳкум бўлади. 17 Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ
бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда
сўзлайдилар. 18 Қўлларига илон олсалар ҳам, заҳар ичсалар ҳам, уларга зарар
етмайди. Хасталарга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетади.

Исо осмонга кўтарилади

19 Раббимиз Исо шогирдларига буларни айтиб бўлгач, осмонга кўтарилди. У
Худонинг ўнг томонига ўтирди*. 20 Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда Хушхабарни
ваъз қилиб юрдилар. Раббимиз шогирдларига куч ато қилиб, аломатлар орқали
уларнинг сўзларини тасдиқлар эди*.

ИЗОҲЛАР

Худонинг Ўғли — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

1:1 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

1:2 *Мана…йўлни ҳозирлайди* — Малаки 3:1 га қаранг.

1:3 Муаллиф бу ўринда Ишаё 40:3 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

1:4 *чўл* — Иордан дарёсининг Ўлик денгизга қуйиладиган жойига яқин бўлган, дарёдан ғарбда жойлашган ерлар.

1:4 *…ваъз қила бошлади* — милодий 28 ёки 29 йилда (Луқо 3:1-3 оятларга ва Луқо 3:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

1:6 *Яҳёнинг кийимлари туя жунидан тўқилган…чарм камар…* — Илёс пайғамбар ва бошқа пайғамбарлар кийган кийимлар (4 Шоҳлар 1:8, Закариё 13:4 га қаранг).

1:11 *Сен Менинг севикли Ўғлимсан* — Забур 2:7 га қаранг.

1:11 *Сендан ниҳоятда мамнунман* — Ишаё 42:1 га қаранг.

1:14 *Яҳё ҳибсга олингандан кейин…* — 6:17-18 га қаранг.

1:15 *Худонинг Шоҳлиги* — Худонинг ҳозирги пайтда инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлиги ва охиратда ҳар бир яратилган мавжудотнинг янгиланишига ишора. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

1:16 *Шимўн* — Бутрус исми билан ҳам танилган, Бутрус исмини унга Исо қўйган эди (3:16 га қаранг).

1:22 *Таврот тафсирчилари* — Мусонинг қонунини жуда яхши билган зиёли одамлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ТАВРОТ ТАФСИРЧИСИ иборасига қаранг.

1:22 *…У одамларга Таврот тафсирчиларидай эмас, балки ҳокимият эгаси каби таълим берар эди* — одатда Таврот тафсирчилари таълим берганда ўз таълимотларини асослаб бериш мақсадида аввал яшаб ўтган эътиборли, обрўли муаллимларнинг сўзларини мисол қилиб келтирар эдилар, аммо Исо бундай қилмаган.

1:32 *Қуёш ботиб кеч кирган пайтда…* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди. Матнда тасвирланган пайт Шаббат кунининг якуни ва якшанба кунининг бошланиши эди. Яҳудийларда якшанба ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланар эди.

1:40 *Тери касаллиги* — бу ибора юнончада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун, бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Левилар 13:45-46 га қаранг).

1:43-44 *руҳоний* — Қуддусдаги Маъбадда хизмат қиладиган эътиборли дин раҳнамоси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги РУҲОНИЙ сўзига

қаранг.

1:43-44 *Покланганингни ҳаммага исбот қилиш учун…* — ёки *Мен Худонинг қонунига жиддий қарашимни руҳонийлар кўришлари учун….*

1:43-44 *…ўзингни руҳонийга кўрсат…Мусо амр қилган қурбонликларни келтир* — Левилар 14:1-32 га қаранг.

2:2 *уй* — Бутрус ва Эндруснинг уйига ишора бўлса керак (1:29 га қаранг).

2:4 *…уйнинг томидан тешик очдилар* — қадимги Фаластинда уйларнинг томи текис бўлар эди. Томга уйнинг девори бўйлаб қурилган зина орқали чиқиларди. Уйларнинг томи ёпилганда, кўндаланг ётқизилган тўсинлар устига шох–шаббалар терилиб, устига лой ва сомон қоришмасидан тайёрланган лўмбоз босилар эди.

2:10 *Инсон Ўғли* — Исо Масиҳ кўпинча Ўзига нисбатан ишлатган унвон. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИНСОН ЎҒЛИ иборасига қаранг.

2:14 *Леви* — Матто исми билан ҳам танилган (Матто 9:9 га қаранг), Матто баён этган муқаддас Хушхабарнинг муаллифи.

2:15 *солиқчилар* — бу солиқчилар одатда яҳудий бўлиб туриб, Рим давлатига ишлагани учун ҳамма уларни ёмон кўрарди. Кўп солиқчилар фирибгарлик қилиб, халқдан солиқ учун керагидан ортиқроқ пул ундирардилар–да, бу пулни ўз чўнтакларига урардилар. Мана шунинг учун ҳам халқ солиқчилардан нафратланиб, уларни ўз имонини сотган хоинлар деб биларди.

2:16 *фарзий* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга ҳамда покланиш удумларига изчил амал қилардилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАРЗИЙ сўзига қаранг.

2:22 *…янги шароб мешни ёриб юборади…* — қадимги пайтларда суюқлик одатда ҳайвон терисидан қилинган мешларда сақланарди. Узум шарбати бижғиб, шаробга айланганда, мешлар шишарди. Меш эскиргани сари ўз чўзилувчанлигини йўқотгани боис, янги шароб эски мешга солинганда, мешни ёриб юборарди.

2:23 *…шогирдлари…бошоқларни уза бошладилар* — Таврот қонунларига кўра, оч қолган одам бировнинг даласидан бошоқларни узиб, донини ейиши мумкин эди (Қонунлар 23:24-25 га қаранг).

2:24 *Шаббат куни қонунга хилоф иш* — фарзийлар Тавротдаги қонунни (Чиқиш 34:21 га қаранг) ўзларича жиддий шарҳлаб, ҳатто инсон ҳаётига оид икир–чикирларни ҳам қонун даражасига кўтарганлар. Шунинг учун улар Исонинг шогирдлари қилган ишни Шаббат кунига хилоф иш деб ҳисоблаганлар.

2:25 *Довуд ҳамроҳлари билан оч қолиб, овқатга муҳтож бўлганда нималар қилгани* — 1 Шоҳлар 21:1-6 га қаранг.

2:26 *Абуатар* — 1 Шоҳлар 22:20-23 га қаранг.

2:26 *муқаддас нонлар* — Левилар 24:5-9 га қаранг. Яна луғатдаги МУҚАДДАС НОН иборасига қаранг.

3:2 *Исони айбламоқчи бўлган баъзи одамлар* — синагогадаги фарзийларга ишора (шу бобнинг 6–оятига қаранг).

3:6 *Ҳирод тарафдорлари* — Буюк Ҳироднинг авлодлари ҳукмронлигини қўллаб–қувватлаган яҳудийларнинг бир гуруҳи. Буюк Ҳирод ва унинг ўғли Ҳирод

Антипас (6:14 га қаранг) ҳокимияти чекланган бўлиб, фақат Рим ҳукумати рухсати билан иш юритарди. Фарзийлар Рим ҳукуматига қаттиқ қаршилик кўрсатар, аммо Ҳирод тарафдорлари Рим ҳукмронлигини қўллаб–қувватлар эдилар.

3:11 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

3:14 *Исо ўн икки одамни танлаб олиб, уларга ҳаворийлар деб ном берди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исо ўн икки одамни танлади*.

3:15 *...жинларни ҳайдаш...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *касалларни соғайтириш ва жинларни ҳайдаш*.

3:18 *Таддеюс* — баъзи олимларнинг фикри бўйича, бу исм Ёқуб ўғли Яҳудонинг яна бир исми эди (Луқо 6:16, Ҳаворийлар 1:13 га қаранг). Хоин Яҳудодан ажралиб туриши учун унга Таддеюс исми берилган бўлиши мумкин.

3:18 *ватанпарвар* — бу ном Шимўннинг Рим империясига қаршилик кўрсатган авом халқ ҳаракатининг аъзоси эканига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Ушбу ҳаракат аъзолари сиёсий, иқтисодий ва диний мақсадларни кўзлаган эдилар.

3:20 *уй* — Бутрус ва Эндруснинг Кафарнаҳумдаги уйига ишора бўлса керак (1:29 га қаранг).

3:21 *оила аъзолари* — шу бобнинг 31-32–оятларига ва 6:3 га қаранг.

3:22 *...Баалзабул...инс–жинслар ҳукмдори...* — шайтон шоҳлигидаги қудратли бир мавжудотга ёки шайтоннинг ўзига ишора.

3:29 *...ким Муқаддас Руҳга куфрлик қилса...* — Худога ишонишдан бош тортиб, Муқаддас Руҳнинг ишига қаршилик кўрсатадиган одамга ишора қилади.

3:32 *онангиз ва укаларингиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *онангиз, укаларингиз ва сингилларингиз*.

4:12 Муаллиф бу ўринда Ишаё 6:9-10 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

4:31 *хантал уруғи* — ўша замонда одамлар хантал уруғини энг майда уруғ деб билишарди.

4:35 *кўлнинг нариги томони* — Жалила кўлининг шарқий қирғоғига ишора.

5:1 *нариги қирғоғи* — яъни шарқий қирғоғи.

5:1 *Гераса* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Гадара*. Гераса шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда ғайрияҳудийлар истиқомат қиларди.

5:7 *Худойи Таолонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

5:9 *Тумонат* — юнонча матнда *Легион*, маъноси *минглар*. Бу юнонча сўз Римликларнинг ҳарбий терминидан олинган бўлиб, 6000 аскардан иборат бўлган бўлинма маъносини ифодалайди.

5:20 *Декаполис ҳудуди* — Самария ва Жалиладан шарқда жойлашган. Юнончада Декаполис номининг маъноси — *ўнта шаҳар*. Декаполис ҳудудида Юнон ва Рим маданиятларининг маркази бўлган ўнта шаҳар бор эди.

5:21 *...кўлнинг нариги томонига...* — Исо орқага, кўлнинг ғарбий қирғоғидаги Жалила ҳудудига қайтиб келган эди (шу бобнинг 1–оятига ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг).

5:38 *...безовталикни, дод–фарёд қилаётган одамларни кўрдилар* — баъзан дафн маросимлари пайтида дод–фарёд қилиб, айтиб йиғлаш учун йиғичилар ёлланарди.

5:41 *Талифа кум!* — орамийча ибора.

6:1 *она шаҳри* — яъни Носира.

6:11 *...уларни огоҳлантириш тариқасида оёқларингизнинг чангини қоқиб кетинглар* — одамлар Худонинг элчиларини рад этганлари учун, ҳаворийлар оёқларидаги чангни қоқиб кетардилар. Ҳаворий Павлус ҳам шунга ўхшаш ҳаракатни ишлатган (Ҳаворийлар 18:6 га қаранг). Бу ҳаракат ўша одамларнинг аянчли қисматини, яъни Худо томонидан рад этилишини ва Унинг шоҳлигидан бенасиб қолиш хавфини англатарди.

6:11 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Сизга чинини айтаман: қиёмат кунида ўша шаҳарнинг ҳоли Садўм ва Ғамўра шаҳарларининг ҳолидан ҳам баттар бўлади*.

6:13 *...кўп хасталарга зайтун мойи суртиб...* — зайтун мойи қадимги пайтларда малҳам сифатида ишлатиларди. У оғриқ қолдириб, терини қуриб кетишдан сақлар эди (Ишаё 1:6, Луқо 10:34 га қаранг). Бу ўринда Худонинг шифо бериш қудрати рамзи сифатида касал одамга озгина мой суртилган бўлса керак (Ёқуб 5:14 га қаранг).

6:14 *Ҳирод* — Антипас исми билан ҳам танилган бўлиб, Буюк Ҳироднинг ўғли эди. Антипас Жалила ва Перея ҳудудларида ҳукмронлик қилган.

6:14 *Баъзи одамлар...дейишарди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ҳирод...дерди*.

6:15 *Илёс* — Эски Аҳд даврида яшаган энг буюк пайғамбарлардан бири. Яҳудийлар Илёснинг қайтиб келишини интизорлик билан кутишарди (Малаки 4:5-6 га қаранг).

6:20 *Унинг сўзлари Ҳиродни гангитиб қўярди, шунга қарамай, Ҳирод уни эшитишни хуш кўрарди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ҳирод кўп ишларни унинг маслаҳати билан қиларди ва уни эшитишни хуш кўрарди*.

6:22 *Ҳиродиянинг қизи* — баъзи юнон қўлёзмаларидан (яна Матто 14:3-6 га қаранг). Юнонча матнда *Ҳироднинг қизи Ҳиродия*.

6:30 *Ҳаворийлар...айтиб бердилар* — шу бобнинг 7, 12-13–оятларига қаранг.

6:32 *...қайиққа тушиб...* — Жалила кўлида.

6:37 *икки юз кумуш танга* — юнонча матнда *икки юз динор*. Динор Рим кумуш тангаси бўлиб, мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

6:45 *...кўлнинг нариги томонидаги...* — Исо ва унинг шогирдлари шу пайтда кўлнинг айнан қайси қисмида бўлганлари аниқ эмас. “Кўлнинг нариги томонидаги” деган ибора кўлнинг ўша қирғоғидаги бошқа бир жойга қайиқ билан сузиб боришни ҳам билдириши мумкин. Анъанага кўра, Исо бир неча минг кишини тўйдирган бу жой кўлнинг шимоли–ғарб томонида, Жалиладаги Байтсайдага яқин эди.

6:45 *Байтсайда шаҳри* — бу ўринда кўлнинг шимоли–шарқ томонидаги шаҳарга ёки кўлнинг шимоли–ғарб томонида жойлашган, Жалиладаги Байтсайда деган шаҳарга ишора қилинаётган бўлиши мумкин (Юҳанно 12:21 га қаранг).

6:48 *...уларнинг олдидан ўтиб кетмоқчи бўлди* — Исо Ўз шогирдларига улар билан

бирга эканлигини кўрсатиш учун олдиларидан ўтиб кетмоқчи бўлди.

6:52 *...уларнинг имони суст эди* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *...уларнинг юраклари қотиб қолганди*.

6:53 *Улар кўлдан сузиб ўтиб...* — шу бобнинг 45–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

6:53 *Генисарет* — Кафарнаҳум шаҳридан жануби–ғарбдаги серҳосил текислик.

7:2 *ювилмаган қўллари* — фарзийлар ва Таврот тафсирчилари овқатланишдан олдин қўлларининг ювилишига алоҳида эътибор қаратишарди. Айниқса кўчада, одамлар орасида бўлиб келгандан кейин, дастурхонга ўтиришдан олдин урф–одатларга кўра қўлларини ювиб, ўзларини поклаб олишарди.

7:6-7 Муаллиф бу ўринда Ишаё 29:13 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

7:8 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Ахир, сизлар товоқ ва коса чайиш билан боғлиқ ва бошқа яна кўп удумларга риоя қиласиз*.

7:10 Чиқиш 20:12, 21:17, Левилар 20:9, Қонунлар 5:16 га қаранг.

7:15-16 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 16–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!*

7:24 *Тир* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Тир ва Сидон*. Тир ва Сидон Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган ғайрияҳудийлар шаҳарлари. Бу шаҳарлар Жалиладан шимоли–ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

7:26 *Суриядаги Финикия* — ўша даврда Финикия Рим империясига қарашли Сурия вилоятининг бир қисми эди. Ҳозирги Ливан мамлакатининг денгиз бўйидаги ҳудуди.

7:28 *Ҳазрат* — юнонча матнда *куриос*. Бу ўринда обрў–эътиборли инсонга нисбатан ишлатиладиган сўз сифатида қўлланган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ... сўзига қаранг.

7:31 *Сидон* — шу бобнинг 24–ояти изоҳига қаранг.

7:31 *Декаполис ҳудуди* — 5:20 изоҳига қаранг.

7:34 *"Эффатаҳ!"* — орамийча сўз.

8:10 *Далманута* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғида, Магадан яқинида жойлашган қишлоқ бўлиши мумкин (Матто 15:39 га қаранг).

8:13 *нариги қирғоқ* — яъни Жалила кўлининг шимоли–шарқий қирғоғи (шу бобнинг 22–ояти изоҳига қаранг).

8:15 *Ҳирод* — Антипас исми билан ҳам танилган бўлиб, Буюк Ҳироднинг ўғли эди. Антипас Жалила ва Перея ҳудудларида ҳукмронлик қилган. Исо бу ўринда Ҳироднинг тарафдорларини ҳам назарда тутган бўлиши мумкин (3:6 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

8:15 *хамиртуруш* — мажозий маънода ишлатилган бўлиб, одатда бошқаларга салбий таъсир кўрсатадиган таълимотлар ва хулқ–атвор назарда тутилган.

8:17 *Имонингиз шунчалик сустми?!* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Юракларингиз қотиб қолганми?!* Яна 6:52 га қаранг.

8:22 *Байтсайда шаҳри* — бу ўринда кўлнинг шимоли–шарқ томонида жойлашган шаҳарга ишора бўлса керак. Кўлнинг шимоли–ғарб томонида ҳам Жалиладаги Байтсайда деган шаҳар бор эди (Юҳанно 12:21 га қаранг).

8:25 *...кўрнинг кўзларига теккизди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *кўрнинг кўзларига тегизиб, унга "Қара!" деб буюрди*.

8:26 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар Исонинг гапига қўшимча қилинган: *қишлоқда ҳеч кимга буни айтма*.

8:27 *Филип Қайсарияси* — Жалила кўлидан қарийб 40 километр шимоли–шарқда жойлашган шаҳар.

8:28 *Илёс* — 6:15 изоҳига қаранг.

8:29 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

8:31 *бош руҳонийлар* — жамиятнинг бошқа эътиборли одамлари қаторида Олий кенгаш аъзолари эдилар. Олий кенгаш яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БОШ РУҲОНИЙЛАР иборасига қаранг.

8:34 *...ўз хочини кўтариб...* — Рим империяси даврида ўлим жазосининг бир тури маҳкумни хочга михлаш эди. Бу жазо ҳаммага маълум бўлган. Одатда жиноятчи ўзи михланадиган хочнинг кўндаланг ёғочини ҳукм ижро этиладиган жойга кўтариб олиб борар эди (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХОЧ сўзига қаранг). Исо Масиҳ мана шу тимсол орқали шогирдларини ҳамда Унга ишонганларни ўз манфаатларини кўзламасдан, Унга бутунлай ўзларини бағишлаб ва итоат қилиб ҳаёт кечиришга, ҳаттоки У учун ўлимга ҳам рози бўлишга даъват этади.

8:38 *Ота* — Худога ишора. Исо кўпинча Ота унвонини Худога нисбатан ишлатган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

9:7 *Бу Менинг севикли Ўғлимдир* — Забур 2:7 га қаранг.

9:11 *...Масиҳдан олдин Илёс келиши керак...* — 6:15 изоҳига қаранг.

9:12 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

9:13 *...Илёс аллақачон келган...* — Яҳё чўмдирувчи назарда тутилган (Матто 17:11-13 га қаранг).

9:13 *...у ҳақда ёзилганидек, уни хоҳлаганларича хўрладилар* — Ҳирод Ҳиродиянинг илтимоси билан Яҳёни қандай қилиб қатл қилганига ишора (6:17-29 га қаранг). Шоҳ Ахабнинг фосиқ хотини Изабел ҳам Илёс пайғамбарни ўлдирмоқчи бўлган эди (3 Шоҳлар 19:1-2, 10 га қаранг). Илёснинг ҳаётида бўлиб ўтган ўша воқеа Яҳёнинг тақдирига ишора бўлган.

9:29 *ибодат* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ибодат ва рўза*.

9:42 *шу кичикларнинг биронтаси* — Исо Масиҳга имон келтирган одамлар, айниқса кичик бола сингари, ожиз ва қаровга муҳтож бўлганлар назарда тутилган.

9:43-44 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 44–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Дўзахнинг қурти ҳам ўлмайди, олови ҳам ўчмайди*.

9:45-46 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 46–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Дўзахнинг қурти ҳам ўлмайди, олови ҳам ўчмайди*.

9:48 *Дўзахнинг қурти ҳам ўлмайди, олови ҳам ўчмайди* — Ишаё 66:24 га қаранг.

9:49 *Ҳар бир одам оловда тузланиб, покланади* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ҳар бир одам оловда тузланади*. Олов — поклаш ёки жазолаш рамзи. Туз эса барқарорлик ва ўзгармаслик рамзидир, чунки қадимда туз баъзи озиқ–овқат маҳсулотларини ачиб қолишдан сақлаш учун ишлатилган. Исо Масиҳ бу гапи орқали Ўз шогирдларининг азоб–уқубатларни бошдан кечиришини назарда тутган бўлса керак. Зотан, Исо Масиҳнинг номи учун азоб чекиш инсоннинг имонини поклайди ва уни гуноҳнинг ҳалокатли таъсиридан асрайди. Шу билан бирга, Исо Ўзига ишонмайдиганларнинг дўзахда то абад жазо тортишига ишора қилган бўлиши ҳам мумкин. Хуллас, Исонинг бу сўзлари шу иккала маънонинг бирини ёки бир пайтда иккала маънони ҳам англатган бўлиши мумкин.

9:49 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *ҳар бир қурбонлик тузга буланади* (Левилар 2:13, Ҳизқиёл 43:24 га қаранг).

9:50 *Туздай бўлинглар, ўзаро тинч–тотув яшанглар* — шу бобнинг 33-35–оятларига қаранг. Туз барқарорлик ва ўзгармаслик рамзидир, чунки қадимда туз баъзи озиқ–овқат маҳсулотларини ачиб қолишдан сақлаш учун ишлатилган. Туздай бўлиш Исо Масиҳга содиқ қолиш ва Унинг амрларига итоат этишга ишора қилади. Шу тарзда яшаш уларнинг орасида тинчликни сақлайди.

10:2 *Қонунга кўра, эр ўз хотинидан ажралиши мумкинми?* — ўша даврда яҳудийлар, ажрашиш мумкин, деб айтардилар. Аммо ажрашишга қандай сабаблар бўлиши мумкинлиги ҳақида кўп баҳс–мунозаралар бор эди. Матто 19:3 изоҳига қаранг.

10:4 *Эркак…хотинидан ажралишига Мусо ижозат берган эди* — Қонунлар 24:1 га қаранг.

10:6 *…одамларни эркагу аёл қилиб яратди* — Ибтидо 1:27, 5:2 га қаранг.

10:7-8 Ибтидо 2:24 га қаранг.

10:19 Чиқиш 20:12-16, Қонунлар 5:16-20 га қаранг.

10:21 *Кейин келиб…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Кейин келиб, хочни кўтариб* (8:34 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

10:24 *…Худонинг Шоҳлигига кириш нақадар қийин!* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бойликка умид боғлаганлар учун Худонинг Шоҳлигига кириш нақадар қийин!*

10:33 *ғайрияҳудийлар* — ўша даврда Яҳудияда ҳукмронлик қилган Рим империяси амалдорларига ишора.

10:37 *Сизнинг ўнг томонингиз* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

10:38 *азоб косаси* — юнонча матнда *коса*, Исонинг азоблари ва хочдаги ўлимига

ишора (шу бобнинг 32-34–оятларига қаранг). “Косадан ичмоқ” ибораси азоб–уқубат тортиб, жазо олиш маъносини билдиради (мисол учун, Забур 74:9, Ишаё 51:17, Еремиё 25:15 га қаранг).

10:47 *Довуд Ўғли* — яҳудийлар шоҳ Довуд наслидан келиб чиқадиган Масиҳни шундай ном билан аташар эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

11:1 *Зайтун тоғи* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонидаги тепалик.

11:2 *Анави қишлоқ* — яъни Байтфагия (Матто 21:1-2 га қаранг).

11:9 *Эгамиз номидан келаётган Инсон барака топсин!* — Забур 117:26 га қаранг.

11:15 *Саррофлар* — пул айирбошловчилар. Улар Рим ва Юнон тангаларини яҳудийларнинг шақалига алмаштирганлар. Маъбад солиғини тўлаш ва қурбонлик қилинадиган ҳайвонларни сотиб олиш учун шақал ишлатилган.

11:16 *Сотиладиган молни Маъбад ичидан олиб ўтиш* — баъзи одамлар манзилга тезроқ етиб бориш учун Маъбад ҳовлисини кесиб ўтардилар.

11:17 Ишаё 56:7 га қаранг.

11:17 *қароқчилар уяси* — Еремиё 7:11 га қаранг.

11:25-26 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 26–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Борди–ю, сизлар бошқаларнинг гуноҳларини кечирмасангизлар, Отангиз ҳам сизни кечирмайди*.

12:1 *узум сиқиш чуқури* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди.

12:4 *Улар бунисини ҳам бошига уриб, ҳақорат қилибдилар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *унга тош отиб, бошини яраладилар ва ҳақоратлаб, жўнатиб юбордилар*.

12:10 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

12:10-11 Забур 117:22-23 га қаранг.

12:13 *Ҳирод тарафдорлари* — 3:6 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

12:14 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон. Бу ўринда Қайсар Тиберийга ишора қилинган. У милодий 14-37 йилларда ҳукмронлик қилган.

12:14 *...Қайсарга солиқ тўлашимиз...* — яҳудийлар Рим босқинчиларидан ғоят нафратланганлари учун, уларга солиқ тўлашни асло истамас эдилар. Бироқ солиқ тўламаслик катта муаммоларни келтириб чиқарар эди.

12:15 *динор* — Рим кумуш тангаси. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

12:18 *Саддуқийлар* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлардан фарқли равишда, улар оғзаки тарқалган урф–одатларни қабул қилмасдилар, балки фақатгина Тавротда ёзилган қонун–қоидаларга риоя қилардилар. Улар ўликларнинг тирилишига ҳам ишонмас эдилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш

учун луғатдаги САДДУҚИЙ сўзига қаранг.

12:19 *Мусо бизга шундай ёзиб қолдирган…* — Қонунлар 25:5-6 га қаранг.

12:24 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

12:26 *Ёнаётган бута тўғрисидаги воқеада…* — Чиқиш 3:1-6 га қаранг.

12:29 *Эгамиз Худо танҳо Эгадир* — ёки *Эгамиз Худойимиздир, Эгамиз танҳодир* ёки *Эгамиз Худо, Эгамиз биттадир*.

12:29-30 Қонунлар 6:4-5 га қаранг.

12:31 Левилар 19:18 га қаранг.

12:33 *кучимиз борича* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *жону дилимиз билан, кучимиз борича*.

12:35 *Довуднинг Ўғли* — 10:47 изоҳига қаранг.

12:36 *Менинг ўнг томоним* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

12:36 Забур 109:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

12:42 *икки чақа* — юнонча матнда *икки лептон, яъни чорак* (икки *лептон* чорак *ассарион* қийматига тўғри келарди). *Лептон* ўша даврда ишлатилган қиймати энг паст танга.

13:2 *Буларнинг ҳаммаси вайрон бўлади* — милодий 70 йилда Тит бошчилигида Рим қўшини Қуддусни ва у ердаги Маъбадни бутунлай вайрон қилган.

13:3 *Зайтун тоғи* — 11:1 изоҳига қаранг.

13:14 *макруҳ бир нарса* — Дониёр 9:27 га ва ўша оятнинг охирги изоҳига қаранг. Яна Дониёр 11:31, 12:11 га қаранг.

13:15 *Томнинг устида бўлганлар* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

13:24-25 Ишаё 13:10, 34:4 га қаранг.

13:26 *Инсон Ўғли…булутларда келади* — Дониёр 7:13-14 га қаранг.

13:29 *ўша вақт* — ёки *Инсон Ўғли*.

13:33 *…ҳушёр турингланр…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ҳушёр бўлиб ибодат қилинглар*.

14:1 *Фисиҳ зиёфати…Хамиртурушсиз нон байрами…* — бу байрамлар Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланар эди (Чиқиш 12:1-42, 13:3-10 га қаранг).

14:3 *Байтания қишлоғи* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонида жойлашган эди.

14:3 *тери касаллиги* — 1:40 изоҳига қаранг.

14:3 *илгари тери касаллигига чалинган Шимўн* — бу одам ҳақида фақатгина шу оятда ва Матто 26:6 да айтиб ўтилган. Бу Шимўн Исодан шифо топгани билан танилган бўлиши мумкин.

14:3 *ганч* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз нақкошликда қўлланиладиган оқиш ёки сарғиш рангли тошни билдиради. Одатда бу тошдан ясалган идишларда атир мойни узоқ вақт давомида сақласа бўларди.

14:3 *сунбул мойи* — яна бир номи *нард*. Бу мой қуюқ, оч жигар ранг, жуда ҳам қиммат, жуда хушбўй бўлган.

14:5 *уч юз кумуш танга* — юнонча матнда *уч юз динор*. Динор Рим кумуш тангаси бўлиб, мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

14:8 *У…олдиндан дафнга тайёрлади* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра жасад дафн қилинишидан олдин унга хушбўй ҳидли зираворлар ва мойлар суртилар эди (Луқо 23:55-56, Юҳанно 19:38-40 га қаранг). Аёл қилган ишининг маъносини ўзи тушунганми ёки йўқми, аниқ эмас, аммо Исо айтадики, унинг бу ҳаракати Исонинг ўлими яқинлашиб қолганини билдирарди.

14:24 *аҳд* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *янги аҳд*. Исо Масиҳ бутун одамзоднинг гуноҳини Ўз бўйнига олиб, хочда ўлди. Шу орқали янги аҳдни кучга киритди (Ибронийлар 8:6-13, 9:11-17 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги АҲД сўзига қаранг.

14:26 *Зайтун тоғи* — 11:1 изоҳига қаранг.

14:27 Закариё 13:7 га қаранг.

14:32 *Гетсемания* — Зайтун тоғининг ғарбий ён бағридаги боғ.

14:36 *Отажон!* — юнонча матнда *Абба, Ота*. Абба сўзи орамийчада ота деганидир. Исо Масиҳ Худога “Ота” деб мурожаат қилгани Унинг Худо билан бўлган яқин, шахсий муносабатини кўрсатади. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

14:36 *азоб косаси* — юнонча матнда *коса*. 10:38 изоҳига қаранг.

14:37 *Шимўн* — Бутрус исми билан ҳам танилган, Бутрус исмини унга Исо қўйган эди (3:16 га қаранг).

14:38 *…васвасага тушиб қолмайлик, деб ибодат қилинглар* — Исо Ўз шогирдларини ҳадемай синов пайти бошланиши ҳақида огоҳлантиряпти (шу бобнинг 27-31–оятларига қаранг). Ўша пайтда улар васвасага тушиб, Исо Масиҳдан юз ўгиришлари мумкин эди.

14:49 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

14:55 *Олий кенгаш* — яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОЛИЙ КЕНГАШ ибораси қаранг.

14:55 *…Исони ўлимга маҳкум қилиш учун Унга қарши гувоҳ излар эдилар* — Таврот қонунига кўра, бирортасини ўлимга маҳкум қилиш учун, жиноятни исботлайдиган камида иккита гувоҳ бўлиши керак эди (Қонунлар 17:6 га қаранг).

14:58 *У…деганини эшитган эдик* — Юҳанно 2:18-22 га қаранг.

14:61 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ ибораси қаранг.

14:62 *Қодир Худонинг ўнг томонида ўтиргани* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

14:62 *…Инсон Ўғлини…осмон булутларида келаётганини кўрасизлар* — Дониёр 7:13 га қаранг.

14:63 *…ўз кийимларини йиртиб…* — олий руҳоний бу ҳаракати билан Исонинг айтган сўзларидан дарғазаб бўлганини кўрсатди.

14:70 *Сен Жалилаликсан–ку!* — буни Бутруснинг шевасидан пайқаб олишган эди (Матто 26:73 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

14:70 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *шеванг жуда ўхшайди*.

15:1 *ҳоким Пилат* — Рим ҳукумати томонидан Яҳудия вилоятига тайинланган ҳоким.

15:6 *Фисиҳ байрами* — Фисиҳ зиёфатига ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрамига ишора (14:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

15:7 *Исён* — юз берган бу ҳодиса китоб ёзилган даврда яшаган одамларга маълум бўлган. Ҳозирги даврда бу исён ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

15:21 *хоч* — бу ўринда хочнинг кўндаланг ёғочига ишора қилинган. Ўлимга маҳкум қилинган инсон бу ёғочни ҳукм ижро қилинадиган жойгача ўзи кўтариб бориши керак эди. Бундан олдин Исони аёвсиз қамчилашгани учун (шу бобнинг 15–оятига ва Матто 27:26, Юҳанно 19:1 га қаранг), У шу қадар ҳолдан тойган эдики, эҳтимол, хочни Ўзи кўтаришга мадори қолмаган бўлса керак.

15:21 *Киринея* — бу шаҳар Ўрта ер денгизи бўйида, ҳозирги Ливия мамлакатининг ҳудудида жойлашган эди.

15:23 *мирра аралаштирилган шароб* — хочга михланадиган одамларнинг азобини оз бўлса–да, камайтириш учун бериладиган дори бўлиши мумкин.

15:24 *Унинг кийимларини эса ўзаро бўлишиб, ким нима олади, деб қуръа ташлашди* — Забур 21:19 га қаранг.

15:25 *соат тўққиз* — юнонча матнда *учинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

15:27-28 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 28–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Шу тариқа Муқаддас битиклардаги: "У гуноҳкорлар қаторида саналди", — дея ёзилган сўз амалга ошди*. Ишаё 53:12 га қаранг.

15:29 *...бошларини чайқаб, Исони ҳақоратлашарди* — Забур 21:8 га қаранг.

15:33 *Туш пайти...Соат уч...* — юнонча матнда *Олтинчи соат...тўққизинчи соат...*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайтлари ўша соатлар билан белгиланар эди.

15:34 *Элоҳи, Элоҳи, ламо шавақтани?* — орамийча ибора.

15:34 Забур 21:2 га қаранг.

15:35 *Илёс* — орамийча *Элоҳи* сўзи ибронийча *Элийаҳ* (яъни Илёс) деган исмга оҳангдош.

15:36 *арзон шароб* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз авом халқ кунда ичадиган нордон шаробга ишора қилади. Бу шароб Рим аскарлари учун ўша ерга олиб келинган бўлиши мумкин.

15:36 *...Илёс келиб...* — 6:15 изоҳига қаранг.

15:38 *Маъбаддаги парда* — шоҳ Ҳирод қайта қурган Маъбадда иккита парда бор эди. Парданинг бири Маъбаднинг кираверишида осилган, иккинчиси эса Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан ажратиб турар эди. Бу оятда Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан ажратиб турадиган парда назарда тутилган.

Маъбаддаги парданинг йиртилиши Исо туфайли одамларга Худонинг ҳузурига йўл очилганидан далолат беради (Юҳанно 4:19-24, Ибронийлар 9:1-10, 10:19-22 га қаранг).

15:39 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

15:40 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

15:42 *Жума куни кеч киришига оз қолган…* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди. Жума куни тугаётгани учун Юсуф жасадни Шаббат куни бошланмасидан олдин қабрга қўймоқчи бўлган (Луқо 23:50-56 га қаранг).

15:43 *Ариматея* — Қуддусдан 35 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар.

15:47 *Юсуф* — шу бобнинг 40–оятида айтиб ўтилган одамга ишора, Ариматеялик Юсуфдан бошқа одам.

16:1 *Шаббат куни тугагач…* — шанба куни қуёш ботгандан кейинги вақтга ишора. Яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди.

16:1 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

16:1 *…Исонинг жасадига суртиш учун хушбўй мойлар сотиб олдилар* — 14:8 изоҳига қаранг.

16:7 *Ўзи сизларга айтганидек…* — 14:28 га қаранг.

16:8 Марк китобининг энг қадимги юнон қўлёзмалари ва таржималари шу бобнинг 9-20–оятларини ўз ичига олмаган.

16:19 *У Худонинг ўнг томонига ўтирди* — 14:62 нинг биринчи изоҳига қаранг.

16:20 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ЛУҚО
БАЁН ЭТГАН МУҚАДДАС ХУШХАБАР

Кириш

Мазкур китоб Янги Аҳд таркибидаги тўртта Хушхабарнинг учинчисидир. Бу китоб муаллифи Луқодир. У ҳаворий Павлуснинг содиқ дўсти бўлиб, кўп сафарларда унга ҳамроҳлик қилган яқин ҳамкори эди. Хушхабарлар орасида Луқо баён этган Хушхабар энг узуни бўлиб, Исонинг ҳаёти ва фаолиятини бошидан охиригача батафсил баён этади. Луқо Исони нафақат Исроилнинг, балки бутун дунёнинг Нажоткори қилиб тасвирлайди. Исо ҳақидаги Хушхабар барча миллат ва халқларга қаратилганини кўрсатади.

Мазкур Хушхабар таркибига бошқа Хушхабарларда бўлмаган кўплаб масал ва ҳикоялар киритилган. Булар қуйидагилардир: фаришталарнинг ҳамду сано қўшиғи, чақалоқ Исони чўпонлар зиёрат қилиши, ўсмир Исо Маъбадда, раҳмдил Самариялик ҳақида масал ва дарбадар ўғил.

Бу Хушхабар бошқаларидан бир неча жиҳати билан ажралиб туради. Китобда одамларнинг қийинчиликлари ва муҳтожликларига катта эътибор қаратилган. Муаллифнинг баён қилишича, Муқаддас Руҳ Исони қамраб олиб, Уни йўқсилларга Хушхабар етказишга чорлаган (4:18). Китобда ибодатга ҳам алоҳида урғу берилади, айниқса Исо маълум вазиятларда ибодат қилгани айтиб ўтилади. Шунингдек, муаллиф аёлларнинг жамиятдаги тутган ўрни, камбағалларга жонкуярлик, гуноҳкорларга иноятли бўлиш ва Муқаддас Руҳ ҳақидаги мавзуларни кенг ёритади.

Китобни ўқир экансиз, қувонч ҳисси қалбингизни яйратади, айниқса дастлабки бобларда Исонинг туғилиши тўғрисидаги хабар ва рўй берган ҳодисалар дилингизни шодон ҳайратга тўлдиради, китобнинг сўнгги бобларида ҳикоя қилинган Исонинг осмонга кўтарилиб кетиши ҳақидаги воқеа эса қалбга умид бахш этади.

1–БОБ

Муқаддима

1-3 Ҳурматли Теофилус!* Ўзингизга маълумки, кўп одамлар орамизда Худонинг қилган ишлари тафсилотини ёзишга киришганлар. Бу воқеаларни ёзишда улар бўлиб ўтган ҳодисаларни бошидан кўрган ва уларни бизга етказган одамларнинг сўзларини асос қилиб олганлар. Шунинг учун мен ҳам ҳаммасини бошидан синчиклаб текширганимдан кейингина, бу воқеаларнинг тафсилотини тартиб билан сизга ёзиб беришга қарор қилдим, 4 токи сизга ўргатилган таълимотнинг ҳақиқийлигига ўзингиз ишонч ҳосил қилинг.

Яҳё чўмдирувчининг туғилиши ҳақида каромат

5 Яҳудия шоҳи Ҳирод* даврида Закариё деган бир руҳоний* бор эди. У руҳоний Абиё уруғидан* келиб чиққанди, хотини Элисабет ҳам руҳонийлар* наслидан эди. 6 Иккови ҳам Худо олдида солиҳ бўлиб, Эгамизнинг амру фармонларига беками–кўст риоя қилишарди. 7 Элисабет бепушт бўлгани учун уларнинг фарзанди йўқ эди. Бунинг устига, иккови ҳам кексайиб қолган эдилар.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

8 Закариёнинг руҳонийлар бўлинмаси Маъбадда навбатчилик қилаётган
кунларнинг бирида, Закариё Худонинг ҳузурида руҳонийлик вазифасини
бажараётган эди. 9 Руҳонийларнинг одати бўйича, Эгамизнинг Маъбадига кириб,
хушбўй тутатқилар тутатиш* қуръаси* унга тушганди. 10 Тутатқи тутатиш
вақтида катта бир оломон ташқарида ибодат қилаётган эди. 11 Шу пайт
Эгамизнинг бир фариштаси Закариёга зоҳир бўлди. Фаришта тутатқи
қурбонгоҳининг ўнг томонида турарди. 12 Закариё уни кўриб, қўрққанидан ўзини
йўқотиб қўйди.

13 Фаришта унга деди:

— Закариё, қўрқма, сенинг илтижоларинг ижобат бўлди. Хотининг Элисабет
сенга бир ўғил туғиб беради. Унинг исмини Яҳё қўясан. 14 У сенга шодлик ва
қувонч келтиради, унинг туғилганидан кўпчилик хурсанд бўлади. 15 У Эгамизнинг
назарида улуғ бўлади, шаробу ўткир ичимликларни оғзига олмайди. Онасининг
қорнидаёқ* Муқаддас Руҳга тўлади. 16 Исроил халқидан бўлган кўпларни у Эгаси
Худога қайтаради. 17 У Илёс пайғамбарнинг руҳи ва қудратига тўлиб*, Раббимиз
Масиҳдан* олдин келади. Раббимизга тайёр бир халқни тақдим қилиш учун
оталарнинг юракларини фарзандларига мойил қилади, итоатсизларнинг
фикрини солиҳлар донолиги томон буради.

18 Закариё фариштага деди:

— Мен бунга қандай амин бўламан? Ахир, мен кексайиб қолганман, хотиним
ҳам қариб қолган бўлса?

19 Фаришта унга шундай жавоб берди:

— Мен Худонинг ҳузурида турадиган Жаброилман. Сен билан гаплашгани,
сенга бу Хушхабарни эълон қилгани юборилганман. 20 Сенга айтганларим ўз
вақтида бажо бўлади. Аммо менинг сўзларимга ишонмаганинг учун тилдан
қоласан. Айтганларим бажо бўлмагунча, гапиролмайсан.

21 Шу орада Закариёни кутиб турган халқ унинг Маъбадда имиллаб қолганига
ҳайрон бўлди. 22 Ниҳоят, Закариё ташқарига чиқди, аммо сўзламоққа тили
айланмади. Халқ унинг Маъбадда ваҳий кўрганлигини тушунди. Закариё соқов
бўлиб қолгани учун халқ билан имо–ишоралар орқали сўзлашишга мажбур бўлди.

23 Маъбаддаги хизмат муддати тугагач, Закариё уйига қайтиб борди. 24 Орадан
кўп ўтмай, хотини Элисабет ҳомиладор бўлди. У дастлабки беш ой давомида
уйидан чиқмай юрди. У шундай дерди: 25 “Буни мен учун Эгам қилди. У менга
марҳамат кўрсатиб, халқ орасида мени шармандаликдан қутқарди.”

Исо Масиҳнинг туғилиши ҳақида каромат

26 Элисабетнинг ҳомиласи олти ойлик бўлганда, Худо фаришта Жаброилни
Жалиланинг Носира деган шаҳрига, 27 Довуд авлодидан Юсуф исмли йигитга
унаштирилган бир қизга юборди. Қизнинг оти Марям эди. 28 Фаришта унинг
олдига бориб:

— Салом, эй Худо ёрлақаган қиз! Эгамиз сен биландир*, — деди.

29 Марям фариштанинг сўзларидан саросимага тушди*. “Бундай саломлашув
нимани билдирар экан?” деб ўйланиб қолди.

30 Фаришта унга деди:

— Марям, қўрқма, сен Худодан иноят топдинг. 31 Сен ҳомиладор бўлиб, ўғил
туғасан. Унинг исмини Исо* қўясан. 32 У буюк бўлади. Уни Худойи Таолонинг
Ўғли* деб аташади. Эгамиз Худо Унга бобоси Довуднинг тахтини беради. 33 У то
абад Исроил халқи* устидан ҳукмронлик қилади, ҳукмронлигининг охири
бўлмайди.

34 — Мен ҳали эр кўрмаган бўлсам, бу қандай бўлади? — деб сўради

фариштадан Марям. 35 Фаришта жавоб берди:
— Муқаддас Руҳ сени қамраб олади, Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу боис туғадиган ўғлинг муқаддас бўлади, У Худонинг Ўғли деб аталади*. 36 Мана, қариндошинг Элисабет ҳам қарилигида ҳомиладор бўлди, у ўғил туғади. Ҳомиласи олти ойлик. Одамлар эса уни бепушт деб айтардилар.
37 Худо учун имконсиз нарса йўқ!
38 — Мен Эгамнинг бандасиман. Ҳаммаси сиз айтганингиздай бўлсин, — деб жавоб берди Марям. Шундан кейин фаришта кетди.

Марям Элисабетни йўқлаб боради

39 Кўп ўтмай Марям шошилганича Яҳудия қирларидаги шаҳарга йўл олди. 40 У Закариёнинг уйига кириб, Элисабет билан саломлашди. 41 Элисабет Марямнинг саломини эшитгани заҳоти қорнидаги боласи ўйноқлаб кетди. Элисабет Муқаддас Руҳга тўлиб, 42 баланд овозда шундай хитоб қилди:
— Сен аёллар ичра мубораксан, қорнингдаги Бола ҳам муборакдир! 43 Мен ким бўлибманки, Раббим Масиҳнинг онаси менинг ҳузуримга келибди! 44 Сенинг саломинг қулоғимга етиши биланоқ, қорнимдаги бола қувончдан ўйноқлаб кетди. 45 Нақадар бахтлисан! Чунки Эгамиз айтганларини амалга оширишига сен ишондинг.
46 Марям шундай деди:

“Бутун вужудим билан Эгамни улуғлайман,
47 Нажоткорим Худодан кўнглим шод–хуррам.
48 Ахир, У мендай арзимас бандасига назар солди.
Жамики насллар энди мени бахтли деб атайди.
49 Зотан, қудратли Худо мен учун буюк ишлар қилди,
Муқаддасдир Унинг номи.
50 Ундан қўрққанларга
У насллар оша марҳамат қилади.
51 У Ўзининг қудратини кўрсатди,
Юраги такаббурларни тўзғитиб ташлади.
52 Ҳукмдорларни тахтларидан туширди,
Фақирларни эса юксалтирди.
53 Очларни неъматлар ила тўйдирди,
Бойларни эса қуруқ жўнатди.
54-55 Ота–боболаримизга берган ваъдаси бўйича,
Иброҳимга, унинг наслига
Шафқат қилишни то абад ёдида тутди.
Қули Исроилга ёрдам берди.”

56 Шундай қилиб, Марям Элисабетникида уч ойча қолди, кейин уйига қайтиб кетди.

Яҳё чўмдирувчининг туғилиши

57 Элисабетнинг ой–куни етиб, ўғил туғди. 58 Қўни–қўшни ва қариндошлари Эгамизнинг унга кўрсатган буюк марҳаматини эшитиб, у билан бирга қувонишди.
59 Улар саккизинчи куни болани суннат қилгани олиб боришди*. Унга Закариё деб отасининг исмини қўймоқчи бўлишди. 60 Бунга боланинг онаси эътироз билдириб:
— Йўқ, исмини Яҳё қўямиз, — деди. 61 Лекин бошқалар:
— Қариндош–уруғинг орасида бу исм билан аталган ҳеч ким йўқ–ку, —

дейишди унга.
62 Шу пайт отасига имо–ишора қилиб, ундан болага қандай исм қўймоқчи
эканлигини сўрашди. 63 Закариё имо–ишора орқали бир тахтача сўради ва: “Унинг
исми Яҳё бўлади”, деб ёзди. Ҳамма ҳайрон қолди. 64 Шу пайт Закариё яна тилга
кириб, гапира бошлади ва Худога ҳамду сано айтди.
65 Ҳамма қўшнилари ҳайратда қолди, бутун Яҳудия қирларида бу воқеа овоза
бўлиб кетди. 66 Бу ҳақда эшитганларнинг ҳаммаси: “Ажабо, бу бола ким
бўларкин?” дея мулоҳаза қилишарди. Чунки Эгамизнинг қудрати унда намоён
эди.

Закариёнинг башорати

67 Чақалоқнинг отаси Закариё Муқаддас Руҳга тўлиб, башорат қила бошлади:

68 “Исроил халқининг Худоси — Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!
У бизга ёрдамга келди, Ўз халқини асоратдан халос қилди.
69-70 Азалдан бизга ваъда бергандай,
Муқаддас пайғамбарлари орқали айтгандай,
Қули Довуд хонадонидан
Бизга қудратли Нажоткорни* юборди.
71 Токи У бизни душманларимиздан қутқарсин,
Биздан нафратланадиганларнинг ҳаммасидан халос этсин.
72 Шундай қилиб, Худо ота–боболаримизга илтифот айлади,
Муқаддас аҳдини ёдида тутди.
73 Бобокалонимиз Иброҳимга берган ўша қасамёдига кўра,
74 Худо бизни ёвларимиз қўлидан қутқарди,
Энди биз Унга қўрқмасдан хизмат қила оламиз.
75 Бутун умримиз давомида
Унинг олдида муқаддас ва солиҳ бўла оламиз.

76 Сен ҳам, болажоним,
Худойи Таолонинг пайғамбари деб аталасан.
Зеро, сен Раббимиз Масиҳдан олдин юрасан,
У юрадиган йўлни ҳозирлайсан.
77 Халқига нажот топишларини эълон қиласан,
Худо уларнинг гуноҳларини кечиришини айтасан.
78 Зеро, Худойимиз меҳр–шафқатга бой,
У самодан бизга уфқ Нурини* сочади.
79 Зулматда, ўлим соясида ўтирганларни ёритади,
Тинчликка олиб борадиган йўлни бизга кўрсатади.”

80 Бола улғайиб, руҳан кучайди. Исроил халқига хизмат қиладиган вақти
келмагунча, чўлда* яшади.

2–БОБ

Исо Масиҳнинг туғилиши

1 Ўша кунларда Қайсар* Август*: “Бутун Рим империясидаги аҳоли рўйхатга
олинсин*”, деган фармон чиқарди. 2 Бу илк аҳоли рўйхати бўлиб, Сурияда
Квириниюс ҳоким бўлган пайтда ўтказилди*. 3 Рўйхатдан ўтиш учун ҳамма ўз
шаҳрига борди.

4 Юсуф ҳам Жалиладаги Носира шаҳридан Яҳудиянинг Байтлаҳм шаҳрига йўл
олди. Бу шаҳар Довуд шаҳри эди. Юсуф Довуд хонадонидан, унинг наслидан эди.
5 Юсуф рўйхатдан ўтгани Марямни ҳам ўзи билан олиб кетди. Марям Юсуфга
унаштирилган бўлиб, фарзанд кутаётган эди. 6 Улар ўша ерда бўлганларида
Марямнинг ой–куни тўлди. 7 У ўзининг тўнғич ўғлини туғди. Уни йўргаклаб,
охурга ётқизиб қўйди, чунки меҳмонхонада уларга жой йўқ эди.

Чўпонлар ва фаришталар

8 Байтлаҳм яқинида чўпонлар бор эди. Улар тунда яйловдаги сурувини
қўриқлаш учун далада ётиб қолган эдилар. 9 Уларнинг қаршисида Эгамизнинг
бир фариштаси пайдо бўлди, Эгамизнинг улуғворлиги уларнинг атрофини
ёритиб юборди. Чўпонлар қаттиқ ваҳимага тушдилар.
10 Аммо фаришта уларга шундай деди:
— Қўрқманглар! Мен сизларга Хушхабар олиб келдим. Бу хабар ҳаммага буюк
қувонч келтиради. 11 Бугун Довуд шаҳрида* сизлар учун Нажоткор туғилди. У
Масиҳдир*, бизнинг Раббимиздир. 12 Мана, сизларга Унинг белгиси: охурда ётган,
йўргакланган Чақалоқни топасизлар.
13 Бирдан фариштанинг ёнида само лашкари бўлмиш сон–саноқсиз
фаришталар пайдо бўлди. Улар Худога ҳамду сано айтишарди:

14 “Фалак тоқидаги Худога шарафлар бўлсин,
Худодан марҳамат топган ердаги бандаларга тинчлик келсин!*”

15 Фаришталар осмонга кўтарилиб кетгандан кейин, чўпонлар бир–бирига
дедилар:
— Қани, Байтлаҳмга борайлик! Эгамиз бизга айтган воқеа юз берганини
кўрайлик!
16 Улар шоша–пиша бордилар, Марям, Юсуф ва охурда ётган Чақалоқни
кўрдилар. 17 Улар Чақалоқни кўриб, фаришта бу Чақалоқ тўғрисида нималар
айтганини гапириб бердилар. 18 Чўпонларнинг гапини эшитганларнинг ҳаммаси
ҳайратга тушди. 19 Марям эса бу сўзларнинг барини дилига тугиб олиб, чуқур
ўйлаб юрди.
20 Чўпонлар қайтиб кетаётиб, Худони улуғлаб, Унга ҳамду санолар айтдилар.
Чунки эшитган ва кўрганларининг ҳаммаси худди фариштa айтгандай содир
бўлганди.

Исога исм қўйилади

21 Орадан саккиз кун ўтди. Чақалоқни суннат қиладиган пайт* келди. Унга Исо
деб исм қўйдилар. Исо она қорнида пайдо бўлмасдан олдин, фариштa Унга шу
исмни берган эди.

Шимўннинг ҳамду саноси

22-24 Мусонинг қонунига кўра*, Марям покланиш кунларига риоя қилди. Бу
муддат тугагач, Марям билан Юсуф Қуддусга бордилар. У ерда покланиш
қурбонлигини келтириб, Эгамизнинг қонунидаги: “Иккита каптар ёки иккита
мусича келтирилсин” деган амрни бажардилар*. Улар Болани ҳам Эгамизга
тақдим қилмоқчи бўлиб, Уни ўзлари билан Қуддусга олиб борган эдилар. Чунки
Эгамизнинг қонунида: “Ҳар бир тўнғич ўғил Эгамизга бағишланиши керак”, деб
ёзилган*.
25 Ўша пайтда Қуддусда Шимўн деган бир одам бор эди. У солиҳ, тақводор одам
бўлиб, Исроилнинг нажот топишини интизор бўлиб кутар эди. Муқаддас Руҳ унга

ёр эди. 26 Муқаддас Руҳ унга: “Эгамиз ваъда қилган Масиҳни сен кўрмагунингча, ўлмайсан”, деб аён қилган эди.
27 Шундай қилиб, Шимўн Муқаддас Руҳ бошчилигида Маъбадга борди. Исонинг ота–онаси қонунда буюрилган маросимни бажариш учун Чақалоқни Маъбад ҳовлисига олиб кирдилар. 28 Шунда Шимўн Чақалоқни қўлига олиб, Худога ҳамду сано айтди:

29 “Эй Эгам, ваъдангни Сен бажо айладинг,
Энди тинчгина ўлишга рози бу қулинг.
30 Зеро, ўз кўзим ила кўрдим Қутқарувчини,
31 Барча эллар олдида ҳозирлаган нажотингни.
32 Ғайрияҳудийларга аён бўладиган нурдир У,
Халқинг Исроилнинг шуҳратидир У.”

33 Юсуф ҳам, Марям ҳам Исо ҳақида айтилган бу сўзлардан ҳайратга тушдилар. 34 Шимўн уларни дуо қилиб, Исонинг онаси Марямга деди:
— Мана шу гўдак Исроил халқи орасида кўп одамларнинг қулашига ва юксалишига сабабчи бўлади. У Худодан аломат бўлади, Уни кўплар рад этади. 35 Натижада кўпларнинг сирли фикрлари ошкор бўлади. Сенинг қалбингга ҳам қилич санчилади.
36 У ерда Ханна исмли кекса бир пайғамбар аёл ҳам бор эди. У Ошер қабиласидан Паниёл деган одамнинг қизи эди. У турмушга чиқиб, эри билан етти йил яшади. 37 Сўнг бева қолган эди. У саксон тўрт йил давомида бева бўлиб*, ҳеч қачон Маъбадни тарк этмасди. Рўза тутиб, ибодат қилиб, кечаю кундуз Худога сажда қиларди. 38 Шимўн Марям ва Юсуфга гапириб турган пайтда Ханна уларга яқинлашиб, Худога шукроналар айтди. У Қуддуснинг озод қилинишини интизорлик билан кутганларнинг ҳаммасига бу Бола ҳақида сўзлай бошлади.
39 Юсуф билан Марям Эгамизнинг қонунидаги ҳамма талабларни бажарганларидан кейин, Жалилага, ўз шаҳри Носирага қайтиб бордилар. 40 Бола улғайиб, кучга ва доноликка тўлиб борарди. У Худонинг иноятиостида эди.

Ўсмир Исо Маъбадда

41 Исонинг ота–онаси ҳар йили Фисиҳ байрамида* Қуддусга борар эдилар. 42 Исо ўн икки ёшда бўлганда, улар яна одатдагидай байрам қилиш учун Қуддусга бордилар.
43 Байрамдан кейин улар уйга қайтар эканлар, ўсмир Исо Қуддусда қолди. Ота–онаси эса бундан бехабар эди. 44 Улар, Исо йўловчилар орасида келяпти, деб ўйлашди. Бир кун йўл босганларидан кейин, Исони қариндош–уруғлари ва таниш–билишлари орасидан қидира бошладилар. 45 Уни топа олмаганларидан кейин, Қуддусга қайтиб, Исони ўша ердан қидирдилар.
46 Уч кундан сўнг Уни Маъбаддан топдилар. У муаллимлар орасида ўтирарди, уларнинг гапларига қулоқ солиб, саволлар берарди. 47 Исонинг гапларини эшитганларнинг ҳаммаси Унинг фаҳм–идрокига ва бераётган жавобларига ҳайрон қолардилар. 48 Ота–онаси Уни кўриб, ажабландилар. Онаси Унга деди:
— Ўғлим, бу нима қилганинг? Отанг икковимиз Сени қидираверибадойи тамом бўлдик–ку!
49 — Нега Мени қидирдингизлар? — деди Исо. — Мен самовий Отамнинг* уйида бўлишим* кераклигини наҳотки билмаган бўлсангизлар?!
50 Аммо улар Исонинг айтган гапини тушунмадилар. 51 Исо улар билан Носирага қайтиб кетди. Доим ота–онасига итоат қилди. Онаси эса бу гапларнинг

ҳаммасини дилига тугиб қўйди.
52 Исо улғайиб, йиллар ўтган сари доно бўлиб борарди. У Худонинг ҳам, одамларнинг ҳам меҳрини қозонарди.

3–БОБ

Яҳё чўмдирувчининг ваъзи

1 Қайсар* Тиберий ҳукмронлигининг ўн бешинчи йили* эди. Яҳудия вилоятида Пўнтий Пилат ҳоким эди*. Жалила ҳудудида Ҳирод*, Итурея билан Трахонитис ҳудудларида Ҳироднинг укаси Филип, Авилина ҳудудида Лисанияс ҳукмронлик қилар*, 2 Ханан ва Каяфас эса олий руҳоний эдилар*.
Ўша вақтда чўлда* яшаётган Закариёнинг ўғли Яҳёга Худонинг сўзи келди. 3 У Иордан дарёси атрофидаги ерларни кезиб, одамларга: “Гуноҳларингиздан тавба қилиб, сувга чўминглар, шунда Худо гуноҳларингизни кечиради”, деб ваъз қиларди. 4 Шу тариқа Ишаё пайғамбар ўз китобида ёзган қуйидагича башорати амалга ошди:

“Чўлда бир овоз янграмоқда:
«Эгамизга йўл ҳозирланг,
Унга тўғри йўл очинг!
5 Ҳар бир жарлик тўлдирилади,
Ҳар бир тоғу тепалик пасаяди.
Қинғир–қийшиқ йўллар ростланади,
Ўнқир–чўнқир сўқмоқлар текис бўлади.
6 Бутун жонзот Худонинг нажотини кўради!»”*

7 Катта бир оломон сувга чўмдирилиш учун Яҳёнинг олдига келди. Яҳё уларга деди:
— Ҳой, илонлар зоти! Бошингизга келаётган Худо ғазабидан қочиб қутуласиз, деб сизларга ким уқтирди? 8 Бундан кейин тавбага яраша иш тутинглар! Ўзингизча: “Биз Иброҳим наслиданмиз”, деб айтишни хаёлингизга ҳам келтирманглар! Сизларга шуни айтай: Худо мана бу тошлардан Иброҳимга авлод тиклашга қодир. 9 Ҳозирданоқ дарахтлар илдизида болта ётибди. Яхши мева бермаган ҳар бир дарахт кесилиб, оловга ташланади.
10 Оломон Яҳёдан сўради:
— Ундай бўлса, биз нима қилишимиз керак?
11 У жавоб бериб, деди:
— Кимнинг иккита кўйлаги бўлса, бирини кўйлаги бўлмаган одамга берсин. Кимнинг озиқ–овқати бўлса, у ҳам овқати йўқлар билан бўлишсин.
12 Солиқчилардан* баъзилари ҳам сувга чўмдирилиш учун келиб, Яҳёдан:
— Устоз, биз нима қилишимиз керак? — деб сўрашди. 13 Яҳё уларга шундай жавоб берди:
— Белгиланганидан ортиғини одамлардан талаб қилманглар.
14 Баъзи бир аскарлар ҳам ундан:
— Биз–чи?! Биз нима қилишимиз керак? — деб сўрадилар. Яҳё уларга деди:
— Бировларни ноҳақ айблаб, пул орттирманглар, маошингиз билан қаноатланинглар.
15 Халқ Масиҳнинг келишини орзиқиб кутарди. Улар: “Яҳё Масиҳ эмасмикин?” деган фикрни кўнгилдан ўтказишарди. 16 Яҳё уларнинг ҳаммасига шундай деди:
— Мен сизларни сувга чўмдиряпман. Лекин мендан ҳам қудратлироқ бўлган

бир Зот ортимдан келмоқда. Мен Унинг чориқ ипларини ечишга ҳам арзимайман.
У сизларни Муқаддас Руҳга ва оловга* чўмдиради. 17 Унинг паншахаси қўлида
тайёр турибди. У Ўз хирмонини шопиради: буғдойни Ўз омборига тўплаб,
сомонни эса сўнмас ўтда ёндириб юборади.
18 Яҳё яна кўп бошқа насиҳатлар бериб, халққа Хушхабарни эълон қиларди.
19 Вилоят ҳукмдори* Ҳироднинг қилмишларини эса фош қилди. Чунки Ҳирод ўз
укасининг хотини Ҳиродияга уйланган ва яна бошқа ёмон ишлар ҳам қилганди.
20 Шуниси етмагандай, у Яҳёни ҳам зиндонга қаматиб қўйди.

Исо сувга чўмдирилади

21 Бутун халқ сувга чўмдирилаётганда, Исо ҳам сувга чўмдирилди. У ибодат
қилиб турганда осмон очилиб кетди 22 ва Муқаддас Руҳ каптар шаклида Унинг
устига тушиб келди. Осмондан эса: “Сен Менинг севикли Ўғлимсан*, Сендан
ниҳоятда мамнунман*” деган овоз келди.

Исонинг насабномаси

Исодан Зарубабелгача

23 Исо хизматини бошлаганда ўттиз ёшларда эди. Одамлар Уни Юсуфнинг ўғли
деб ҳисоблардилар*.

Юсуф эса — Элахнинг ўғли*,
24 Элах — Маттотнинг ўғли,
Маттот — Левининг ўғли,
Леви — Малкийнинг ўғли,
Малкий — Яннайнинг ўғли,
Яннай — Юсуфнинг ўғли,
25 Юсуф — Маттатиёнинг ўғли,
Маттатиё — Амоснинг ўғли,
Амос — Нохумнинг ўғли,
Нохум — Ҳеслининг ўғли,
Ҳесли — Нагайнинг ўғли,
26 Нагай — Махатнинг ўғли,
Махат — Маттатиёнинг ўғли,
Маттатиё — Шимахнинг ўғли,
Шимах — Йўсехнинг ўғли,
Йўсех — Йўдонинг ўғли,
27 Йўдо — Йўханоннинг ўғли,
Йўханон — Резонинг ўғли,
Резо — Зарубабелнинг ўғли,
Зарубабел* Шалтиёлнинг ўғли эди.

Шалтиёлдан Натангача

Шалтиёл — Нерийнинг ўғли,
28 Нерий — Малкийнинг ўғли,
Малкий — Йиддонинг ўғли,
Йиддо — Қосамнинг ўғли,
Қосам — Элмодамнинг ўғли,
Элмодам — Ғурнинг ўғли,
29 Ғур — Ёшуанинг ўғли,
Ёшуа — Элиазарнинг ўғли,
Элиазар — Йўримнинг ўғли,

Йўрим — Маттотнинг ўғли,
Маттот — Левининг ўғли,
30 Леви — Шимўннинг ўғли,
Шимўн — Яҳудонинг ўғли,
Яҳудо — Юсуфнинг ўғли,
Юсуф — Юнамнинг ўғли,
Юнам — Элияқимнинг ўғли,
31 Элияқим — Малиёнинг ўғли,
Малиё — Маннонинг ўғли,
Манно — Маттатонинг ўғли,
Маттато — Натаннинг ўғли,
Натан* Довуднинг ўғли эди.

Довуддан Исҳоққача

32 Довуд — Эссайнинг ўғли,
Эссай — Обиднинг ўғли,
Обид — Бўазнинг ўғли,
Бўаз — Салмўннинг ўғли,
Салмўн — Нахшўннинг ўғли,
33 Нахшўн — Оминадавнинг ўғли,
Оминадав — Админнинг ўғли,
Админ — Арнийнинг ўғли,
Арний — Хазроннинг ўғли*,
Хазрон — Паразнинг ўғли,
Параз — Яҳудонинг ўғли,
34 Яҳудо — Ёқубнинг ўғли,
Ёқуб — Исҳоқнинг ўғли,
Исҳоқ* Иброҳимнинг ўғли эди.

Иброҳимдан Одам Атогача

Иброҳим — Тераҳнинг ўғли,
Тераҳ — Нахўрнинг ўғли,
35 Нахўр — Саруғнинг ўғли,
Саруғ — Равунинг ўғли,
Раву — Палахнинг ўғли,
Палах — Ибирнинг ўғли,
Ибир — Шилахнинг ўғли,
36 Шилах — Хенаннинг ўғли,
Хенан — Арпахшоднинг ўғли,
Арпахшод — Сомнинг ўғли,
Сом — Нуҳнинг ўғли,
Нуҳ — Ламакнинг ўғли,
37 Ламак — Матушалоҳнинг ўғли,
Матушалоҳ — Ханўхнинг* ўғли,
Ханўх — Ёреднинг ўғли,
Ёред — Махалиёлнинг ўғли,
Махалиёл — Хенаннинг ўғли,
38 Хенан — Энўшнинг ўғли,
Энўш — Шиснинг ўғли,
Шис — Одам Атонинг ўғли,
Одам Ато* Худонинг ўғли* эди.

4–БОБ

Исони иблис васвасага солади

1 Исо Иордан дарёсидан Муқаддас Руҳга тўлиб қайтди. Руҳ Уни саҳрога бошлаб
кетди. 2 Саҳрода Исони иблис қирқ кун васвасага солди. Ўша кунлар давомида Исо
ҳеч нарса емади, охири оч қолди. 3 Шунда иблис Исога деди:
— Агар Сен Худонинг Ўғли* бўлсанг, бу тошга буюр, нонга айлансин!
4 Исо унга шундай жавоб берди:
— Ёзилганки: “Инсон фақат нон билан яшамайди*.”
5 Сўнг Исони иблис тепаликка* олиб чиқиб, бир лаҳзада Унга оламнинг барча
шоҳликларини кўрсатди. 6 У Исога деди:
— Сени ана шу шоҳликлар устидан ҳукмрон қиламан, уларнинг
шон–шуҳратини Сенга бераман. Буларнинг ҳаммаси менга берилган, мен эса
истаганимга бераман. 7 Менга сажда қил, шунда ҳаммаси Сеники бўлади.
8 Исо жавоб бериб деди:
— Ёзилганки*: “Эганг Худога сажда қил, фақат Унга хизмат қил.”*
9 Кейин иблис Исони Қуддусга олиб борди. Уни Маъбаднинг энг юқори жойига
чиқариб, шундай деди:
— Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни бу ердан пастга ташла. 10 Ахир,
ёзилган–ку:

“Худо Сен тўғрингда фаришталарига амр беради,
Фаришталар Сени қўриқлайди.
11 Оёғинг тошга қоқилиб кетмасин дея,
Фаришталар қўлларида Сени кўтариб боради.”*

12 Исо иблисга жавобан деди:
— Яна ёзилганки: “Эганг Худони синама.”*
13 Иблис ҳар томонлама Исони васвасага солиб бўлгандан сўнг Унинг ёнидан
кетди, бироқ қайтиб келиш учун фурсат пойлаб юрди.

Исо Ўз юртида рад қилинади

14 Исо Руҳ қудратига тўлиб, Жалила ҳудудига қайтди. У ҳақидаги овоза бутун
атрофга тарқалди. 15 У синагогаларда таълим берарди, ҳамма Уни мақтарди.
16 Сўнг Исо Ўзи улғайиб ўсган шаҳри Носирага борди. Ўз одати бўйича Шаббат
кунида синагогага кириб, Муқаддас битикларни ўқиш учун ўрнидан турди. 17 Унга
Ишаё пайғамбарнинг ўрамини узатдилар. У ўрамни очиб, қуйидаги парчани
топиб ўқиди:

18 “Эгамизнинг Руҳи мени қамради.
Йўқсилларга Хушхабар етказмоқ учун*
Эгам мени танлади.
Зиндондагиларга эркин бўласиз, деб айтмоқ учун,
Кўрларга, кўзингиз очилади, деб хабар бермоқ учун,
Асирларни озод қилмоқ учун,
19 Эгамнинг марҳамат йилини маълум этмоқ учун
Эгам мени юборди.”*

20 Кейин Исо ўрамни қайта ўради–да, хизматчига бериб, жойига ўтирди.
Синагогадаги барчанинг кўзи Унга тикилди. 21 Исо уларга деди:
— Сизлар эшитган бу калом шу бугун бажо бўлди.

22 Ҳамма Исони мақтар эди. Унинг латиф сўзларига маҳлиё бўлиб: “Наҳотки бу
Одам Юсуфнинг ўғли бўлса?!” деб айтишарди.
23 Исо уларга деди:
— Билиб турибман, сизлар: “Эй табиб, ўзингни ўзинг даволаб кўр–чи!” деган
иборани юзимга солмоқчисизлар. “Кафарнаҳумда қилган мўъжизалар ҳақида
хабар топдик. Ўшаларни Ўз шаҳрингда ҳам қил”, деб айтмоқчисизлар.
24 Сўнг Исо гапида давом этиб, деди:
— Сизларга чинини айтайин, ҳеч қандай пайғамбар ўз юртида қабул
қилинмайди. 25 Сизларга яна бир ҳақиқатни айтаман: Илёс пайғамбар даврида*
Исроил юртида кўп бевалар бор эди. Осмондан уч йилу олти ой давомида бир
томчи ҳам ёмғир ёғмади, бутун юртда даҳшатли очарчилик бўлди. 26 Аммо Худо
Илёсни уларнинг биронтасига юбормай, фақатгина Сидон шаҳри яқинидаги
Зорафатда яшовчи бир бевага юборган эди. 27 Худди шу сингари, Элишай
пайғамбар даврида* ҳам Исроил юртида тери касаллигига* чалинган кўп одамлар
бор эди. Аммо биронтаси ҳам шифо топмади, фақат Сурияли к Нўъмон шифо
топди, холос.
28 Синагогадаги одамлар буларни эшитгач, ҳаммалари ғазабланишди.
29 Ўринларидан сакраб туриб, Исони шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқаришди.
Носира шаҳри тепалик устида жойлашган эди. Одамлар Исони ўша тепаликнинг
четига олиб бориб, жарликка ташламоқчи бўлишди. 30 Лекин Исо уларнинг
орасидан ўтиб, Ўз йўлига кетди.

Жинга чалинган одам шифо топади

31 Исо Жалиладаги Кафарнаҳум шаҳрига борди. Шаббат кунларида халққа
таълим берадиган бўлди. 32 Халойиқ Исонинг таълимотини эшитиб, ҳайратда
қолди, чунки У ҳокимият билан гапирарди.
33 Шаҳардаги синагогада жинга чалинган бир одам бор эди. У овози борича
бақириб деди:
34 — Эй Носиралик Исо! Бизни тинч қўй! Сен бизни ҳалок қилгани келдингми?!
Сенинг кимлигингни биламан: Сен Худонинг Азизисан!
35 Бироқ Исо жинга дўқ уриб:
— Жим бўл! Ундан чиқиб кет! — деди. Шунда жин ҳамманинг кўзи олдида
ҳалиги одамни ерга ағнатиб, унинг ичидан чиқиб кетди. Одам ҳеч қандай зарар
кўрмади. 36 Ҳамма ҳайратда қолди.
— Нима бўляпти ўзи?! У қудрату ҳокимият билан буйруқ берганда ёвуз руҳлар
чиқиб кетяпти! — деб бир–бирларига гапирардилар. 37 Исо ҳақидаги овоза бутун
теварак–атрофга тарқалди.

Исо кўп одамларга шифо беради

38 Исо синагогадан чиқиб, Шимўннинг* уйига кирди. Шимўннинг қайнанаси
қаттиқ иситмалаб ётган эди. Исодан, касални кўриб қўйинг, деб илтимос
қилишди. 39 Исо аёлнинг ёнига келиб, иситмага: “Аёлни тарк эт!” — деб буйруқ
берди. Иситма аёлни тарк этди. Аёл ўша заҳоти ўрнидан туриб, уларга хизмат
қила бошлади.
40 Қуёш ботаётган пайтда*, одамлар турли хасталикдан азоб чекаётган
қариндош–уруғларини Исонинг олдига олиб келдилар. Исо ҳамма хасталарга
қўлини қўйиб, шифо берди. 41 Жинлар эса: “Сен Худонинг Ўғлисан!”* — деб
бақирганларича, кўплаб одамларни тарк этардилар. Исо жинларга дўқ уриб,
уларнинг гапиришларига ижозат бермасди, чунки жинлар Исонинг Масиҳ
эканини билишарди.

Исо синагогаларда ваъз қилади

42 Тонг отгач, Исо шаҳарни тарк этиб, кимсасиз бир жойга кетди. Бир тўда
оломон Уни излаб ортидан борди. Улар Исони топганларидан сўнг: “Ёнимиздан
кетманг”, деб Уни олиб қолишга ҳаракат қилдилар. 43 Исо эса одамларга шундай
деди:
— Мен Худонинг Шоҳлиги* тўғрисидаги Хушхабарни бошқа шаҳарларда ҳам
эълон қилишим керак, Мен шу мақсадда юборилганман.
44 Шундай қилиб, Исо юртдаги* синагогаларда воизлик қилишни давом
эттирди.

5–БОБ

Исонинг дастлабки шогирдлари

1 Бир куни Исо Жалила кўли* бўйида турганда, оломон Худонинг сўзини
эшитиш учун Исонинг ёнида тирбанд бўлди. 2 Исо кўл қирғоғида турган икки
қайиқни кўрди. Балиқчилар қайиқдан чиқиб, тўрларини ювaётган эдилар.
3 Қайиқлардан бири Шимўнники* эди. Исо Шимўннинг қайиғига тушиб,
қирғоқдан бир оз нарироқ сузиб боришни илтимос қилди. Сўнг ўтириб, ўша ердан
одамларга таълим берди. 4 Исо гапини тугатиб, Шимўнга деди:
— Чуқурроқ ерга сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар.
5 Шимўн Исога шундай деди:
— Устоз, биз тун бўйи астойдил ҳаракат қилдик, лекин ҳеч нарса тутолмадик.
Аммо Сиз айтганингиз учун тўр ташлаймиз.
6 Улар тўр ташлаганларида, шу қадар кўп балиқ овладиларки, ҳатто тўрлари
йиртила бошлади. 7 Улар бошқа қайиқдаги ўртоқларига, ёрдам беринглар, деб
ишора қилдилар. Қайиқлар етиб келгач, иккала қайиқни ҳам балиққа
тўлдирдилар, қайиқлар сувга бота бошлади.
8 Шимўн* буни кўрди–да, Исонинг олдида тиз чўкиб деди:
— Ҳазрат! Менинг ёнимдан кетинг, чунки мен гуноҳкор инсонман.
9 Шимўн ва ёнидагилар бундай мўл балиқ овидан ҳайратга тушган эдилар.
10 Шимўннинг шериклари Забадиё ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам ҳайратда
эдилар.
Исо Шимўнга деди:
— Қўрқма, бундан буён сен инсонларни овлайсан.
11 Улар қайиқларини қирғоққа тортдилар ва ҳамма нарсаларини қолдириб,
Исога эргашдилар.

Тери касаллигига чалинган одамни Исо соғайтиради

12 Исо бир шаҳарда бўлганда, тери касаллигига* чалинган бир одам келиб
қолди. У Исони кўриб, юз тубан ерга мук тушиб, ёлворди:
— Ҳазрат, биламан, истасангиз, мени бу касалликдан поклай оласиз.
13 Исо қўлини узатди ва унга теккизиб:
— Истайман, пок бўл! — деди. Касаллик эса ўша заҳоти кетди. 14 Исо унга
қатъиян деди:
— Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Бориб, ўзингни руҳонийга кўрсат.
Покланганингни ҳаммага исбот қилиш учун* Мусо амр қилган қурбонликларни
келтир*.
15 Исо тўғрисидаги гап–сўзлар эса тобора ёйилиб бораверди. Тумонат халойиқ
Уни тинглаш ва дардларидан фориғ бўлиш учун Унинг олдига йиғилиб келар эди.
16 У эса кўпинча кимсасиз жойларга кетиб, ибодат қилар эди.

Исо шолни соғайтиради

17 Бир куни Исо таълим бераётганда, Унинг тингловчилари орасида
фарзийлар* билан Таврот тафсирчилари* ҳам ўтирган эдилар. Улар Жалила ва
Яҳудиянинг ҳамма қишлоқларидан, Қуддусдан келган эдилар. Исода Эгамизнинг
хасталарга шифо бериш қудрати бор эди*. 18 Бир нечта киши тўшакда ётган бир
шол одамни кўтариб келдилар. Уни уйга — Исонинг олдига олиб киришга
уриндилар. 19 Лекин оломон кўплигидан бунинг иложини тополмай, уйнинг
томига чиқиб*, томдан тешик очдилар. Сўнг шолни ўша тешикдан тўшаги билан
оломон ўртасига — Исонинг олдига туширдилар*.

20 Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга деди:

— Биродарим, гуноҳларинг кечирилди.

21 Тафсирчилар билан фарзийлар эса ўзларича шундай мулоҳаза қила
бошладилар: “Куфрлик қилаётган бу Одам ким ўзи? Худодан бошқа ҳеч ким
гуноҳларни кечира олмайди–ку!”

22 Исо уларнинг мулоҳазаларини билиб, шундай савол берди:

— Нега бундай нарсаларни ўйлайсизлар? 23 Қайси бири осонроқ? Шолга:
“Гуноҳларинг кечирилди!” деб айтишми, ёки: “Ўрнингдан туриб юр!” деб
айтишми? 24 Инсон Ўғлига* ер юзида гуноҳларни кечириш ҳокимияти берилган.
Ҳозир шуни билиб оласизлар.

Исо шундай деди–ю, шолга:

— Сенга айтаман: ўрнингдан тур! Тўшагингни олиб, уйингга бор! — деб
буюрди.

25 Шол ўша заҳоти ҳамманинг кўзи олдида ўрнидан турди. Ётган тўшагини
олиб, Худони улуғлаб, уйига кетди. 26 Ҳамма ҳайратга тушиб, Худони улуғлади.
Улар қўрқув ичра: “Бугун ақл бовар қилмайдиган ҳодисани кўрдик”, деб
айтардилар.

Исо Левини чақиради

27 Шундан сўнг Исо у ердан чиқиб, солиқчи* Левини* кўриб қолди. Леви солиқ
йиғадиган жойда ўтириб, одамлардан солиқ йиғаётган эди. Исо унга:

— Ортимдан юр! — деди. 28 Леви ўрнидан турди, ҳамма нарсасини қолдириб,
Исога эргашди.

29 Сўнгра Леви ўз уйида Исонинг шарафига катта зиёфат берди. Меҳмонлар
орасида бир гуруҳ солиқчилар ва бошқа одамлар бор эди. 30 Фарзийлар ва
фарзийларнинг мазҳабидан бўлган тафсирчилар норози бўлиб, Исонинг
шогирдларига дедилар:

— Нега сизлар солиқчилару гуноҳкорлар билан бирга еб–ичиб ўтирибсизлар?

31 Исо уларга шундай жавоб берди:

— Соғлар эмас, хасталар табибга муҳтождир. 32 Мен солиҳларни эмас,
гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман.

Рўза тутиш ҳақида савол

33 Баъзи одамлар Исога дедилар:

— Мана, Яҳёнинг шогирдлари фарзийларнинг шогирдлари каби, тез–тез рўза
тутиб, ибодат қилишади. Сизнинг шогирдларингиз эса еб–ичиб юрибдилар!

34 Исо уларга деди:

— Куёв даврада бўлганда тўйга келган меҳмонларни рўза тутишга мажбур
қилиб бўлармиди?! 35 Бироқ улар куёвдан жудо бўладиган кунлар келади, ана
ўшанда рўза тутадилар.

36 Исо уларга бир масални ҳам айтиб берди:

— Ҳеч ким янги кийимдан йиртиб олиб, эски кийимга ямоқ солмайди. Акс ҳолда, янги кийим ҳам йиртилади, янги кийимдан олинган ямоқ ҳам эски кийимга тўғри келмайди. 37 Шунингдек, ҳеч ким янги шаробни эски мешга қуймайди. Чунки янги шароб мешни ёриб юборади*, шароб тўкилади, меш ҳам нобуд бўлади. 38 Аксинча, янги шаробни янги мешга қуймоқ даркор*. 39 Эски шаробдан ичган одам янги шаробни истамайди. “Эскиси яхши”, деб айтади.

6–БОБ

Шаббат куни тўғрисида савол

1 Шаббат кунларининг бирида* Исо буғдойзордан ўтиб кетаётган эди. Унинг шогирдлари бошоқлардан узиб олиб, кафтларида уқалаб, донларини еяётган эдилар*. 2 Баъзи фарзийлар эса уларга деди:

— Нега сизлар Шаббат куни қонунга хилоф иш* қиляпсизлар?

3 Исо уларга шундай жавоб берди:

— Довуд ҳамроҳлари билан оч қолганда нималар қилганини* наҳотки сизлар ҳеч ўқимаган бўлсангиз?! 4 У Худонинг уйига кириб, муқаддас нонларни* еган. Ҳатто ҳамроҳларига ҳам берган. Қонунга мувофиқ эса бундай нонларни фақат руҳонийлар ейишга ҳақли эдилар–ку!

5 Исо яна деди:

— Инсон Ўғли Шаббат кунининг ҳам Ҳокимидир.

6 Бошқа Шаббат куни Исо синагогага кириб таълим берди. У ерда ўнг қўли қуриб қолган бир одам бор эди. 7 Таврот тафсирчилари билан фарзийлар Исони айблаш учун бирон сабаб топиш мақсадида: “Исо Шаббат куни бу одамга шифо берармикан”, деб Уни кузатиб турардилар. 8 Исо уларнинг бу ниятини била туриб, қўли шол одамга:

— Ўрнингдан туриб олдинга чиқ! — деб буюрди. У олдинга чиқди.

9 Исо йиғилганларга деди:

— Сизларга бир саволим бор. Қонунга мувофиқ Шаббат куни яхшилик қилиш керакми ёки ёмонликми? Жонни халос қилиш керакми ёки нобуд қилишми?*

10 Исо уларнинг ҳаммасига назар ташлаб чиқди–да, у одамга:

— Қўлингни узат! — деди.

У одам қўлини узатиши биланоқ қўли соппа–соғ бўлиб қолди. 11 Тафсирчилар билан фарзийлар ғазабдан жазаваси тутиб, Исони нима қилсак экан, деб муҳокама қила бошладилар.

Исо ўн икки ҳаворийни танлайди

12 Ўша кунларнинг бирида Исо ибодат қилгани тоққа чиқди. У тун бўйи Худога ибодат қилди. 13 Тонг отгач, шогирдларини ёнига чақирди ва ораларидан қуйидаги ўн иккитасини танлаб олиб, уларга ҳаворийлар деб ном берди:
14 Шимўн (Исо унга Бутрус деб исм берди), унинг укаси Эндрус, Ёқуб, Юҳанно, Филип, Бартоломей, 15 Матто, Тўма, Халфей ўғли Ёқуб, ватанпарвар* деб ном олган Шимўн, 16 Ёқуб ўғли Яҳудо ва кейинчалик хиёнат қилган Яҳудо Ишқариёт.

17 Шундан сўнг Исо улар билан бирга пастга тушиб, текис жойда тўхтади. Бу ерда Унинг кўплаб шогирдлари, шунингдек, бутун Яҳудиядан*, Қуддусдан, соҳилдаги Тир ва Сидон ҳудудларидан келган бир талай оломон бор эди. 18 Улар Исони тинглагани ва хасталикларидан форағ бўлгани келган эдилар. Ёвуз руҳлардан азоб чекаётган одамлар ҳам шифо топдилар. 19 Ҳамма одамлар қўлларини Исога теккизишга уринарди, чунки Ундан бир куч чиқиб, ҳаммага шифо берарди.

Бахтлилар ва бахтсизлар

20 Исо шогирдларига қараб, деди:

“Эй камбағаллар, сизлар бахтлисиз!
Худонинг Шоҳлиги сизларникидир.
21 Эй ҳозир оч бўлганлар, бахтлисиз!
Сизлар тўқ бўласизлар.
Эй йиғлаётганлар, бахтлисиз!
Сизлар қувониб куласизлар.
22 Инсон Ўғлига ён босганингиз учун
Одамлар сиздан нафратланганларида,
Жамиятдан қувиб, ҳақоратлаганларида,
Исмингизни қоралаганларида,
Сизлар барибир бахтлисизлар!

23 Шундай кунлар келганда қувонинг, шодликдан сакранг. Сизларни самода буюк мукофот кутмоқда. Ахир, сизларга озор етказаётган одамларнинг ота–боболари ҳам пайғамбарларга шундай қилганлар.

24 Эй бойлар, ҳолингизга вой!
Сизлар роҳатингизни кўриб бўлдингизлар.
25 Эй қорни тўқлар, ҳолингизга вой!
Сизлар оч қоласизлар.
Эй кулаётганлар, ҳолингизга вой!
Сизлар аза тутиб, фарёд қиласизлар.
26 Барча одамлар сизни мақтаганда ҳолингизга вой.
Ахир, уларнинг ота–боболари
Сохта пайғамбарларни ҳам худди шундай мақтаганлар.

Душманларингизни яхши кўринглар

27 Эй Мени тинглаётганлар, сизларга айтяпман: душманларингизни яхши кўринглар, сиздан нафратланганларга яхшилик қилинглар. 28 Сизларга лаънат айтганларни дуо қилинглар. Сизга озор берганлар учун ибодат қилинглар.
29 Бир чаккангизга урсалар, иккинчисини ҳам тутинг. Агар кимдир тўнингизни тортиб олса, кўйлагингизни ҳам ечиб беринг. 30 Сиздан сўраганларнинг ҳаммасига беринг. Агар кимдир нарсангизни тортиб олса, «Қайтариб бер», деб талаб қилманг. 31 Одамлар сизларга нима қилишларини истасангиз, сизлар ҳам уларга ўшани қилинглар.
32 Агар сизни севганларнигина яхши кўрсангиз, қандай савоб қилган бўласизлар?! Ҳатто гуноҳкорлар ҳам ўзларини севганларни яхши кўрадилар.
33 Агар ўзингизга яхшилик қилганларгагина яхшилик қилсангиз, қандай савоб қилган бўласиз?! Ҳатто гуноҳкорлар ҳам худди шундай қиладилар. 34 Агар сиз қайтариб олишга умид қилиб қарз берсангиз, қандай савоб қилган бўласиз?! Ҳатто гуноҳкорлар ҳам қанча қарзлари бўлса, ҳаммасини қайтариб олиш мақсадида гуноҳкорларга қарз берадилар.
35 Лекин сиз душманларингизни севинг, уларга яхшилик қилинг, қайтариб беришини ўйламай, қарз беринг. Шунда буюк мукофот олиб, Худойи Таолонинг фарзандлари бўласизлар. Ахир, Унинг Ўзи ҳам ношукурларга ва фосиқларга меҳрибон–ку! 36 Осмондаги Отангиз раҳмдил бўлгани каби, сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар.

Бошқаларни ҳукм қилманглар

37 Бошқаларни ҳукм қилманг, шунда Худо ҳам сизларни ҳукм қилмайди.
Бошқаларни айбламанг, шунда Худо ҳам сизни айбламайди. Бошқаларни
кечиринг, шунда Худо сизни кечиради. 38 Бошқаларга беринг, Худо ҳам сизларга
беради, мўл–кўл қилиб беради, босиб, силкитиб тўлдирилган, тошиб–тўкилган
ўлчов билан қўйнингизни тўлдиради. Сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангизлар,
Худо ҳам сизларга худди шундай ўлчов билан ўлчаб беради."

39 Исо уларга қуйидаги масални ҳам айтиб берди: "Кўр одам кўрни етаклаб юра
оладими?! Иккаласи ҳам чуқурга қулаб тушади–ку! 40 Шогирд устозидан устун
бўлмас. Аммо мукаммал билим эгаллаган шогирд устозидай бўлар.

41 Нима учун сен биродарингнинг кўзидаги зирапчани кўрасан–у, ўз
кўзингдаги ходани сезмайсан? 42 Кўзингдаги ходани кўрмай туриб қандай қилиб
биродарингга: «Дўстим, кел, кўзингдаги зирапчани олиб ташлай», деб айтасан?
Ҳой, иккиюзламачи! Олдин кўзингдаги ходани чиқариб ол, шунда кўзинг тиниқ
кўради ва биродарингнинг кўзидан зирапчани чиқара оласан.

Дарахт ва унинг меваси

43 Яхши дарахт ёмон мева бермас, ёмон дарахт эса яхши мева бермас. 44 Ҳар бир
дарахтнинг қандайлиги ўз мевасидан билинади. Тиканзордан анжир терилмайди,
бутазордан узум узилмайди. 45 Яхши одам юрагининг эзгулик хазинасидан
яхшилик чиқаради, ёмон одам юрагининг ёмонлик хазинасидан ёмонлик
чиқаради. Одамнинг дили нимага тўлиб–тошса, ўша тилига чиқади.

Доно ва аҳмоқ бинокор

46 Нега сизлар Мени: «Ё Раббий, ё Раббий!» деб чақирасиз–у, аммо
айтганларимни қилмайсизлар? 47 Менинг олдимга келган ва сўзларимни эшитиб,
уларга риоя қилган одам кимга ўхшашини биласизларми? 48 Уй қураётганда,
чуқур хандақ қазиб, тош устига пойдевор ўрнатган кишига ўхшайди у. Сел тошиб,
ўша уйни сув босади, лекин уйни қўзғата олмайди. Чунки уй маҳкам ўрнатилган*.
49 Аммо Менинг сўзларимни тинглаб, уларга риоя қилмайдиган одам уйни тупроқ
устига, пойдеворсиз қурган кишига ўхшайди. Уйни сув босганда, уй ўша заҳоти
қулаб тушади. Уй бутунлай вайрон бўлади."

7–БОБ

Рим юзбошисининг имони

1 Исо халққа бу сўзларини айтиб бўлгандан кейин, Кафарнаҳум шаҳрига кетди.
2 У ерда бир Рим* юзбошисининг жуда азиз хизматкори касал бўлиб, ўлим
тўшагида ётган эди. 3 Юзбоши Исо тўғрисида эшитиб қолди ва яҳудий
оқсоқолларини Унинг олдига юбориб: "Келинг, хизматкоримга шифо беринг", —
деб илтимос қилди. 4 Улар Исонинг ёнига келгач, ўтиниб ёлвордилар:

— У Сизнинг ёрдамингизга муносибдир. 5 У халқимизни яхши кўради, бизга
ҳатто синагога ҳам қуриб берган.

6 Исо улар билан бирга кетди. У уйга яқинлашиб қолганда, юзбоши дўстлари
орқали шундай хабар жўнатди:

— Ҳазрат, овора бўлманг! Кулбамга оёқ босишингиз учун номуносибман. 7 Мен
ўзимни нолойиқ ҳисоблаганим учун Сизнинг олдингизга ўзим бормадим. Сиз
буюрсангиз, бас, хизматкорим соғайиб кетади. 8 Мен ўзим буйруққа тобе одамман,
аммо менинг ҳам қўлим остида аскарларим бор. Бирига "кет" десам, кетади,
бошқасига "кел" десам, келади. Бирон хизматкоримга "шуни қил" десам, қилади.

9 Исо бу сўзларни эшитгач, юзбошидан ҳайратланди. У ўгирилиб, орқасидан эргашиб келаётган оломонга деди:
— Сизларга шуни айтай: Мен ҳаттоки Исроил халқи орасида ҳам бундай кучли имонга эга бўлган одамни учратмадим.
10 Юборилганлар юзбошининг уйига қайтиб келганларида, хизматкор соғайиб қолганини кўрдилар.

Исо бева аёлнинг ўғлини тирилтиради

11 Орадан кўп вақт ўтмай, Исо Наин деган шаҳарга борди. Унинг шогирдлари* ва бир талай оломон Исо билан бирга эди. 12 Исо шаҳар даровозасига етиб қолганда, вафот этган бир одамни олиб чиқишаётганини кўриб қолди. Марҳум одам бева аёлнинг ёлғиз ўғли экан. Аёл билан бирга шаҳардан бир талай оломон чиқиб келаётган эди. 13 Раббимиз Исо бу аёлни кўргач, унга раҳми келиб:
— Йиғлама! — деди. 14 Кейин Исо яқинлашиб, тобутга қўлини теккизди. Тобутни кўтариб бораётганлар тўхтаб қолдилар. Исо ўликка:
— Эй йигит, сенга айтаман: тур ўрнингдан! — деди.
15 Ўшанда ўлик ростланиб ўтирди–да, гапира бошлади. Исо уни онасига топширди. 16 Ҳаммани ваҳима босди. Одамлар: “Орамизда буюк пайғамбар пайдо бўлди, Худо Ўз халқини қутқариш учун келди”, деб Худога ҳамду сано айтардилар. 17 Исо ҳақидаги бу хабар Яҳудияга* ва бутун атрофга ёйилди.

Яҳё чўмдирувчининг хабарчилари

18 Яҳёга шогирдлари бўлиб ўтган бу воқеалар тўғрисида хабар беришди. 19 Яҳё шогирдларидан иккитасини чақириб, уларни Раббимиз Исонинг олдига шундай савол билан юборди: “Келадиган Зот Сизмисиз, ёки биз бошқасини кутайликми?”
20 Улар Исонинг олдига бориб дейишди:
— Бизни Яҳё чўмдирувчи юборди. У Сиздан: “Келадиган Зот Сизмисиз, ёки биз бошқасини кутайликми?” — деб сўраяпти.
21 Айни шу пайтда Исо кўп одамларнинг хасталикларию дардларига шифо бераётган, ёвуз руҳларга чалинганларни тузатаётган, кўплаб кўрларнинг кўзларини очаётган эди. 22 Исо Яҳёнинг шогирдларига шундай жавоб берди:
— Боринглар, кўриб эшитаётганларингизни Яҳёга айтинглар: кўрлар кўрмоқда, чўлоқлар юрмоқда, тери касаллигига* чалинганлар тузалмоқда, карлар эшитмоқда, ўликлар тирилмоқда, йўқсиллар Хушхабарни эшитмоқда. 23 Мендан юз ўгирмаганлар нақадар бахтлидир!
24 Яҳёнинг хабарчилари кетгандан кейин, Исо оломонга Яҳё ҳақида гапира бошлади: “Саҳрога нимани кўргани бордингизлар? Шамолда ҳилпираб турган қамишними? 25 Хўш, нимани кўргани бордингизлар? Башанг кийинган одамними? Бироқ башанг кийиниб, бой–бадавлат яшайдиганлар шоҳ саройида бўлади–ку! 26 Ундай бўлса, нимани кўргани бордингизлар? Пайғамбарними? Ҳа, сизларга шуни айтай: сизлар пайғамбардан ҳам улуғини кўрдингизлар! 27 У ҳақда шундай ёзилган:

> «Мана, Сендан олдин Мен Ўз элчимни юборяпман,
> У Сен учун йўлни ҳозирлайди.»*

28 Сизларга айтаманки, бутун инсон зоти орасида Яҳёдан улуғи йўқ*. Аммо Худонинг Шоҳлигида энг кичик ҳисобланган одам ҳам ундан улуғроқдир.”
29 Яҳёни эшитган жамики одамлар, ҳатто солиқчилар* ҳам Худонинг йўли тўғри эканлигини тан олган эдилар. Улар Яҳё томонидан сувга чўмдирилгандилар. 30 Фарзийлар билан Таврот тафсирчилари эса, Яҳё томонидан

сувга чўмдирилишни истамай, Худонинг улар учун бўлган мақсадини рад қилдилар.

31 Исо гапида давом этди: “Шундай экан, замонимиздаги одамларни кимга қиёсласам бўлади? 32 Улар майдонда ўтирган болаларга ўхшайдилар. Ўша болалар бир–бирларига шундай дея бақирадилар:

«Сизлар учун най чалдик, аммо рақсга тушмадингиз,
Биз оҳ–воҳ қилдик, аммо сизлар йиғламадингиз.»

33 Яҳё чўмдирувчи келиб на нон еди, на шароб ичди. Сизлар эса: «Уни жин урибди», дейсизлар. 34 Инсон Ўғли келиб, ҳам еди, ҳам ичди. Уни эса сизлар: «Ебтўймас, шаробхўр, солиқчилар ва гуноҳкорларнинг дўсти», дейсизлар. 35 Аммо билиб қўйинглар: Худонинг донолигини тан олганлар Унинг донолиги тўғри эканлигини кўрсатиб турибдилар.”

Гуноҳкор аёл Исонинг оёқларига атир мой суртади

36 Фарзийлардан бири Исони таом ейишга таклиф қилди. Исо фарзийнинг уйига кириб, дастурхон ёнига ёнбошлади. 37 Шаҳарда гуноҳкор бир аёл бор эди. У: “Исо фарзийнинг уйида меҳмонда экан”, деб эшитди ва ганчдан* ясалган идишда атир мой олиб келди. 38 Ўша аёл Исонинг оёқлари томонида туриб йиғлади. Аёлнинг кўз ёшлари Исонинг оёқларига томар эди. Аёл Исонинг оёқларини сочлари билан артиб, ўпа бошлади, оёқларига атир мой суртди.

39 Исони ўз уйига таклиф қилган фарзий буни кўриб: “Агар бу Одам ҳақиқатан ҳам пайғамбар бўлганда эди, Унга қўл теккизган аёлнинг кимлигини ва қанақалигини билган бўларди, бу аёл гуноҳкор–ку”, деб кўнглидан ўтказди.

40 Исо фарзийга деди:

— Шимўн, сенга бир гап айтмоқчиман.

— Айтинг, Устоз! — деди у.

41 Исо деди:

— Икки киши бир одамдан қарздор экан: бири беш юз кумуш танга*, иккинчиси эллик кумуш танга. 42 Улар қарзларини тўлай олмагани учун, қарз берувчи икковининг ҳам қарзидан кечиб юборибди. Хўш, улардан қайси бири қарз берганни кўпроқ яхши кўради?

43 Шимўн жавоб бериб деди:

— Менимча, кўпроқ қарзи кечирилган одам бўлса керак.

— Тўғри мулоҳаза қилдинг, — деди унга Исо. 44 Кейин Исо аёлга ўгирилиб қаради–да, Шимўнга деди:

— Мана бу аёлни кўряпсанми? Мен уйингга келганимда, оёқларимни ювгани сув бермадинг. У эса кўз ёшлари билан оёқларимни ювиб, сочлари билан артиб қуритди. 45 Сен Мени ўпиб кутиб олмадинг. Бу аёл эса, келганимдан бери оёқларимни ўпишдан тўхтагани йўқ. 46 Сен бошимга зайтун мойи суртмадинг*, бу аёл эса оёқларимга атир мой суртди. 47 Сенга айтай: бу аёлнинг гуноҳлари кўп эди, кечирилди. Чуқур меҳрининг сабаби ҳам шудир. Оз кечирилганнинг меҳри оз бўлади.

48 Сўнг Исо аёлга:

— Гуноҳларинг кечирилди, — деди.

49 Исо билан дастурхон атрофида ёнбошлаганлар ичларида айтардилар: “Бу ким бўлдики, ҳатто гуноҳларни ҳам кечиради–я!”

50 Исо эса аёлга:

— Ишончинг сени қутқарди, эсон–омон бор, — деди.

8–БОБ

Исога эргашган аёллар

1 Орадан кўп ўтмай, Исо шаҳару қишлоқларга бориб, Худонинг Шоҳлиги
тўғрисидаги Хушхабарни эълон қилди. Ўн икки шогирди У билан бирга эди. 2 Ёвуз
руҳлардан ва хасталиклардан халос бўлган бир неча аёллар ҳам Исога эргашган
эдилар. Булар: Магдалалик* Марям (унинг ичидан еттита жин чиқиб кетган эди),
3 Ҳироднинг* сарой бошқарувчиси Хузаснинг хотини Йўанна, Сусанна ва кўплаб
бошқа аёллар эди. Улар ўз мол–мулкларини Исо билан Унинг шогирдлари*
эҳтиёжлари учун сарф қилардилар.

Уруғ сепувчи ҳақида масал

4 Бир куни шаҳару қишлоқлардан талай оломон келиб, Исонинг ёнида
тўпланди. Исо шундай масал айтди: 5 “Бир деҳқон уруғ сепгани чиқибди. У уруғ
сепаётганда баъзи уруғлар сўқмоқ йўл устига тушибди. Одамлар уруғларни
босибди, қушлар чўқиб кетибди. 6 Баъзи уруғлар тошлоқ жойга тушибди. Уруғлар
кўкариб чиқибди–ю, аммо намлик бўлмагани учун қуриб қолибди. 7 Бошқа
уруғлар тиканлар орасига тушибди. Уруғлар билан бирга ўсиб чиққан тиканлар
уруғларни бўғиб қўйибди. 8 Яна баъзи уруғлар яхши тупроққа тушибди. Улар
кўкариб чиқиб, ҳар бири юз баравар ҳосил берибди.”

Исо буларни айтиб бўлиб, баланд овозда: “Кимнинг эшитар қулоғи бўлса,
эшитсин!” — деди.

Масалларнинг мақсади

9 Шогирдлар Исодан:

— Бу масалнинг маъноси нима? — деб сўрашди. 10 У шундай жавоб берди:
“Худо Шоҳлигининг сирларини билиш сизларга берилган. Бошқаларга эса, Мен
ҳамма нарсани масаллар билан гапираман, токи улар:

«Қараб туриб, англамасинлар,
Тинглаб туриб, тушунмасинлар.»*

Уруғ сепувчи ҳақидаги масалнинг маъноси

11 Бу масалнинг маъноси шу: уруғ Худонинг каломидир. 12 Сўқмоқ йўл устига
тушган уруғлар шундай одамларни билдиради: улар каломни эшитадилар, лекин
ишонмасликлари ва нажот топмасликлари учун иблис уларнинг юрагидан
каломни олиб кетади. 13 Тошлоқ жойга тушган уруғлар эса шундай одамларни
билдиради: улар каломни эшитганда уни севинч билан қабул қиладилар. Аммо
улар илдиз отмаган. Шунинг учун улар қисқа вақт давомида ишонадилар, синов
пайти келганда эса имондан қайтадилар. 14 Тиканлар орасига тушган уруғлар
шундай одамларни билдирадики, улар каломни эшитадилар, бироқ умри
давомидаги ташвишлар, бойлик ва ҳаёт лаззатлари бундай уруғларни бўғиб
қўяди. Уларнинг ҳосили етилмайди. 15 Яхши тупроққа тушган уруғлар эса шундай
кишиларни билдиради: улар каломни эшитиб, уни эзгу, самимий юракда
асрайдилар ва сабр–тоқат ила ҳосил берадилар*.

Ёруғлик ва қоронғилик ҳақида

16 Ҳеч ким чироқни ёқиб, устини идиш билан ёпиб қўймайди ёки чорпоя
тагига яшириб қўймайди. Аксинча, кирганлар ёруғликни кўрсин деб, уни
чироқпояга қўяди. 17 Ахир, ҳар қандай яширин нарса маълум бўлади. Ҳар қандай
сир очилиб, ёруққа чиқади. 18 Шундай экан, яхшилаб қулоқ солинглар: кимда бор
бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ бўлса, бор деб ўйлаган нарсаси ҳам ундан

тортиб олинади.”

Исонинг онаси ва укалари

19 Исонинг онаси билан укалари Унинг олдига келдилар, аммо одам
кўплигидан Унга яқинлаша олмадилар. 20 Исога:
— Онангиз билан укаларингиз ташқарида туришибди, улар Сизни
кўришмоқчи, — деб айтишди.
21 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Худонинг сўзини эшитиб, унга амал қилувчилар Менинг онам ва
укаларимдир.

Исо бўронни тинчлантиради

22 Бир куни Исо шогирдларига: “Кўлнинг нариги томонига* ўтайлик”, — деди.
Улар қайиққа ўтириб, жўнаб кетдилар. 23 Сузиб кетаётганларида Исо ухлаб қолди.
Кўлда қаттиқ бўрон кўтарилди, қайиқ сувга тўла бошлади. Улар хавфли аҳволда
қолдилар. 24 Шунда шогирдлар:
— Устоз! Устоз! Ҳалок бўляпмиз! — деб Исони уйғотдилар.
Исо туриб шамолга ва қутураётган тўлқинларга дўқ урди. Шу онда шамол
тинди, сукунат чўкди. 25 Исо шогирдларига:
— Ишончингиз қани?! — деди.
Улар эса қўрқув ва ҳайрат ичра бир–бирига шундай дейишди:
— Бу ким бўлди экан–а? У ҳатто шамолу сувга амр беради, улар эса
бўйсунади–я!

Жинга чалинган одамга Исо шифо беради

26 Исо шогирдлари билан қайиқда Жалила кўлининг нариги қирғоғидаги
Гераса* ҳудудига сузиб борди. 27 Исо қирғоққа чиқиши билан Уни жинга чалинган
шаҳарлик бир одам қарши олди. Бу одам анча вақтдан бери кийим киймас эди. У
уйда эмас, қабристон ғорларида яшарди. 28 Ўша одам Исони кўргач, қичқириб
юборди. Ўзини Унинг оёқлари остига отиб, овози борича бақирди:
— Эй Исо, Худойи Таолонинг Ўғли!* Мени тинч қўй! Ўтинаман, менга азоб
берма! — деди.
29 Чунки Исо ёвуз руҳга бу одамдан чиқиб кетишни буюрган эди. Кўп марта
ёвуз руҳ бу одамдан устун келиб, уни бошқарарди. Гарчи бу одамнинг
қўл–оёқларини занжир билан боғлаб қўриқлашган бўлса ҳам, у занжирни узиб
ташларди, жин эса уни кимсасиз жойларга олиб кетарди.
30 Исо жиндан:
— Исминг нима? — деб сўради.
— Исмим Тумонат*, — деди у. Чунки бу одамнинг ичига бир талай жин кириб
олган эди.
31 Жинлар Исодан: “Бизни тубсиз чуқурликка юбормагин”, деб ёлвориб
сўрадилар. 32 Шу тоғнинг ён бағрида катта бир чўчқа подаси ўтлаб юрган эди.
Жинлар Исодан: “Чўчқаларнинг ичига киришимиз учун бизга ижозат бер”, деб
ёлвордилар. Исо уларга рухсат берди. 33 Шунда жинлар бу одамдан чиқиб,
чўчқаларга кириб олишди. Чўчқа подаси тик қияликдан кўлга ёпирилиб, чўкиб
кетди.
34 Чўчқа боқувчилар содир бўлган воқеани кўриб қочдилар. Улар бўлиб ўтган
ҳодисани шаҳар ва қишлоқларда гапириб юрдилар. 35 Одамлар бўлиб ўтган
воқеани кўргани келдилар. Улар Исонинг олдига келганларида, жиндан халос
бўлган одамни кўрдилар. У одам кийинган, ақли расо ҳолда Исонинг оёқ
томонида ўтирарди. Улар буни кўриб, қўрқиб кетишди. 36 Воқеани кўрганлар эса

жин чалган одамнинг қандай қилиб шифо топганини сўзлаб бердилар. 37 Шунда
Гераса ҳудудидан келган ҳамма одамлар қаттиқ ваҳимага тушиб, Исога: “Бизнинг
ҳудудимиздан чиқиб кетинг”, деб илтимос қилдилар. Исо қайиққа тушиб, қайтиб
кетмоқчи бўлиб турганда, 38-39 жинлардан халос бўлган одам Исога:

— Сиз билан кетай, — деб ёлворди. Исо эса:

— Уйингга қайтиб бор. Худо сен учун нималар қилганини айтиб бер, — деб
уни жўнатиб юборди.

У киши бориб, Исо унга қанчалар мурувват кўрсатганини бутун шаҳарга эълон
қилди.

Соғайган аёл ва тирилган қиз

40 Исо кўлнинг бу қирғоғига қайтиб келганда*, халқ Уни қаршилаб олди, чунки
ҳамма Уни кутаётган эди. 41 Шу пайт Яир исмли бир одам келиб қолди. У синагога
бошлиғи эди. У Исонинг оёғига бош уриб: “Илтимос, уйимга юринг”, деб ёлворди.
42 Чунки Яирнинг ўн икки ёшли ёлғиз қизи ўлим тўшагида ётган эди.

Исо ўша одам билан кетди. Оломон Исони ҳар томондан қисиб қўярди.
43 Оломон орасида ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл
ҳам бор эди. У бор–будини табибларга сарфлаган бўлса ҳам, бироитаси унга шифо
бера олмаган эди. 44 Аёл Исонинг орқасидан келиб, Унинг кийими этагига қўл
теккизди. Шу заҳоти қон кетиши тўхтади.

45 — Менга ким тегди? — деб сўради Исо. Исога қўл теккизганини ҳеч ким тан
олмади. Шунда Бутрус* деди:

— Устоз, оломон Сизни ўраб олиб, сиқиб қўйганини кўриб турибсиз–ку!*

46 Лекин Исо деди:

— Кимдир Менга қўлини теккизди. Ичимдан бир куч чиққанини сездим.

47 Назардан четда қола олмаслигини билиб, аёл титраганча Исонинг олдига
келди. Унинг оёқлари остига ўзини ташлаб, бутун халқ олдида нима сабабдан
Исога қўлини теккизганини ва қўл теккизган заҳоти шифо топганини айтиб
берди.

48 Исо унга деди:

— Қизим*, ишончинг сени соғайтирди. Эсон–омон бор.

49 Исо шундай деб турган ҳам эдики, синагога бошлиғининг уйидан кимдир
келиб унга:

— Қизингиз ўлди, Устозни овора қилмай қўя қолинг, — деди. 50 Буни эшитган
Исо синагога бошлиғи Яирга деди:

— Қўрқманг. Фақат ишонинг, қизингиз шифо топади.

51 Исо бошлиқнинг уйига келганда, Бутрус, Юҳанно, Ёқуб ва қизнинг
ота–онасидан бошқа ҳеч кимнинг ичкарига киришига рухсат бермади. 52 Ҳамма
қизча учун дод–фарёд қилаётган эди*. Исо уларга деди:

— Йиғламанглар, ахир, қизча ўлмаган, у ухлаб ётибди.

53 Улар эса Исонинг устидан кулдилар, чунки қизча ўлганини билардилар.
54 Исо эса қизчанинг қўлидан ушлаб*:

— Қизалоқ, тур ўрнингдан! — деди.

55 Қизчага жон кирди. У шу заҳоти ўрнидан турди. Исо: “Қизчага овқат
беринглар”, — деб буюрди. 56 Қизчанинг ота–онаси донг қотиб қолдилар. Исо эса
уларга бўлган воқеа ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликни буюрди.

9–БОБ

Исо ўн икки ҳаворийни хизматга юборади

1 Исо ўн икки ҳаворийни ёнига чақириб, уларга ҳамма жинларни қувиб
чиқариш ва касалликларни даволаш қудрати ва ҳокимиятини берди. 2 Исо уларни
Худонинг Шоҳлигини эълон қилишга ва хасталарни шифолашга юборар экан,
3 шундай деди: “Йўлга ҳеч нарса олманглар: ҳасса ҳам, тўрва ҳам, нон, пул, ҳатто
қўшимча кийим ҳам олманглар. 4 Қайси уйга кирсангизлар, ўша шаҳардан
кетгунингизча шу уйда қолинглар. 5 Агар бирор шаҳарда сизни қабул қилмасалар,
у ердан чиқаётганингизда уларга огоҳлантириш тариқасида оёқларингиздаги
чангни қоқиб кетинглар*.”
6 Ҳаворийлар кетдилар. Қишлоқма–қишлоқ юриб, ҳамма ёқда Хушхабарни
эълон қилдилар, хасталарга шифо бердилар.

Ҳирод саросимага тушади

7 Вилоят ҳукмдори* Ҳирод* содир бўлаётган ажойиботлар ҳақида эшитиб,
эсанкираб қолди. Чунки баъзилар: “Яҳё тирилиб келибди”, десалар, 8 бошқалар:
“Илёс пайғамбар* зоҳир бўлибди”, дер эдилар. Яна бошқалар бўлса: “Қадимги
пайғамбарлардан бошқа бири тирилиб келибди”, дейишарди. 9 Ҳирод: “Мен
Яҳёнинг бошини олдирган эдим, аммо менга айтишаётган бу Одам ким бўлди
экан?” деб Исони кўргиси келди.

Исо 5000 кишини тўйдиради

10 Ҳаворийлар қайтиб келдилар* ва қилган ҳамма ишларини Исога айтиб
бердилар. Исо фақатгина ҳаворийлари билан вақт ўтказмоқчи бўлиб, уларни
Байтсайда шаҳрига* олиб кетди*. 11 Оломон эса бу ҳақда хабар топиб, Унинг
орқасидан эргашди. Исо оломонни яхши кутиб олди, уларга Худонинг Шоҳлиги
тўғрисида гапирди, шифога муҳтожларни шифолади.
12 Кун ботиб, кеч кира бошлади. Ўн икки ҳаворий Исонинг олдига келиб
дедилар:
— Одамларни жўнатиб юборинг, токи улар атрофдаги қишлоқларга,
овулларга бориб, ўзларига тунаш учун жой ва егулик топсинлар. Ахир, биз
кимсасиз жойдамиз.
13 — Сизлар уларга овқат беринглар! — деди Исо.
— Бешта нон ва иккита балиқдан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ–ку! — дея жавоб
берди шогирдлар. — Нима, биз бориб, шунча одамга овқат сотиб олайликми?!
14 Оломон орасида тахминан беш мингга яқин эркак бор эди. Исо
шогирдларига деди:
— Одамларни элликта–элликта қилиб ўтқазинглар.
15 Шогирдлар айтилгандай қилиб, ҳаммани ерга ўтқаздилар. 16 Исо бешта нон
билан иккита балиқни олди, осмонга қараб шукрона дуосини ўқиди. Сўнг
буларни синдириб, халққа тарқатиш учун шогирдларига берди. 17 Ҳамма еб тўйди.
Ортиб қолган бурдаларни йиғиб олишганда, ўн икки сават чиқди.

Бутрус Исонинг Масиҳ эканини тан олади

18 Бир куни Исо ёлғиз Ўзи ибодат қилаётганда, шогирдлари келиб қолишди.
Исо улардан:
— Халқ Мени ким деб билади? — дея сўради. 19 Улар шундай жавоб бердилар:
— Баъзилар Сизни Яҳё чўмдирувчи деб ҳисоблайдилар, баъзилар Илёс*,
бошқалари эса, қадимги пайғамбарлардан бири тирилиб келган, деб айтиб
юрибдилар.

20 — Сизлар–чи, Мени ким деб биласиз? — деб сўради Исо.
— Сиз Худо юборган Масиҳсиз!* — деб жавоб берди Бутрус.

Исо Ўз ўлими тўғрисида гапиради

21 Исо шогирдларига: “Буларни ҳеч кимга айтманглар, — деб қатъий
огоҳлантириб гапирди. 22 — Инсон Ўғли кўп азоб чекади. Йўлбошчилар, бош
руҳонийлар* ва Таврот тафсирчилари томонидан рад қилиниб, ўлдирилади.
Учинчи куни эса тирилади.”
23 Сўнг ҳаммага деди: “Кимда–ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва
ҳар куни ўз хочини кўтариб*, ортимдан юрсин. 24 Ким ўз жонини асраб қолмоқчи
бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун жонини берса, уни асраб қолади. 25 Агар инсон
бутун дунёни эгаллаб олса–ю, бироқ ўз ҳаётига ўзи зомин бўлса, бундан унга
нима фойда?! 26 Мендан ва Менинг сўзларимдан уялманглар! Акс ҳолда, Инсон
Ўғли Ўзининг, самовий Отасининг ва муқаддас фаришталарнинг улуғворлигида
келганда, У ҳам сизлардан уялади. 27 Сизларга чинини айтайин: бу ерда
турганлардан баъзилари Худонинг Шоҳлигини кўрмагунча, ўлмайдилар.”

Исонинг қиёфаси ўзгаради

28 Исо бу гапларни айтгандан кейин орадан саккиз кун ўтди. У Бутрусни,
Юҳанно билан Ёқубни олиб, ибодат қилгани тоққа чиқди. 29 Ибодат пайтида
Исонинг юзи ўзгарди, кийимлари ҳам кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ
бўлиб қолди. 30-31 Бирданига Исонинг олдида икки одам пайдо бўлди, уларнинг
бутун борлиғи нур таратиб турарди. Бу икки одам Мусо ва Илёс бўлиб, Исо билан
гаплашаётган эдилар. Улар Исонинг тез орада Қуддусга бориши ва у ерда
Худонинг режасини амалга ошириб, оламдан ўтиши* тўғрисида суҳбатлашаётган
эдилар.
32 Бутрус ва у билан бирга бўлганлар қаттиқ уйқуга кетган эдилар. Улар
бирдан уйғониб, Исонинг улуғворлигини ва Унинг ёнида турган икки одамни
кўрдилар. 33 Бу икки одам кетмоқчи бўлиб турганда Бутрус Исога деди:
— Устоз, яхши ҳам шу ерда эканмиз! Келинг, учта чайла ясайлик, биттаси
Сизга, биттаси Мусога, биттаси Илёсга.
Аммо у нима деб айтаётганини ўзи ҳам билмас эди.
34 У шу гапини тугатмаган ҳам эдики, булут пайдо бўлиб, ҳаммаларига соя
солди. Булут остида қолган шогирдлар қўрқиб кетдилар. 35 Булут орасидан эса
шундай овоз эшитилди:
— Бу Менинг Ўғлимдир, Мен Уни танладим*. Унга қулоқ солинглар!
36 Овоз тингандан кейин, шогирдлар Исонинг у ерда ёлғиз қолганини
кўрдилар. Шогирдлар кўрганларини сир сақлаб, ўша кунларда ҳеч кимга
айтмадилар.

Жинга чалинган болага Исо шифо беради

37 Эртаси куни Исо ва Унинг уч шогирди тоғдан тушдилар. Исони катта оломон
кутиб олди. 38 Тўсатдан оломон орасидан бир одам бақириб қолди:
— Устоз! Ёлвораман, ўғлимни кўриб қўйинг! У менинг яккаю ягона ўғлим!
39 Баъзан уни жин тутиб туради. Шунда ўғлим бирданига бақириб қолади.
Оғзидан кўпик чиққунча, жин уни дағ–дағ қалтиратади. Болани ўлгудай
чарчатиб, азоб беради. 40 Мен шогирдларингизга, жинни қувиб чиқаринглар, деб
ёлвордим, аммо улар эплай олмадилар.
41 Исо шундай жавоб берди:
— Эй имонсиз ва бузуқ авлод! Қачонгача сизлар билан бирга бўлишим керак?!
Сизларга яна қанча тоқат қилишим керак?! Ўғлингни бу ерга олиб кел!

42 Бола яқинлашаётганда, жин уни ерга ағнатиб, қалтирата бошлади. Лекин
Исо ёвуз руҳга дўқ уриб, болага шифо берди. Сўнг уни отасига топширди. 43 Ҳамма
Худонинг қудратига ҳайрон қолди.

Исо яна Ўз ўлими ҳақида гапиради

Одамлар Исонинг қилаётган ишларидан ҳайратланаётган эдилар. Шунда Исо
Ўз шогирдларига деди: 44 “Сизлар бу сўзларимни қулоқларингизга қуйиб
олинглар! Инсон Ўғли одамлар қўлига тутиб берилади.” 45 Аммо шогирдлар бу
сўзларни тушунмадилар. Бу сўзларнинг маъноси улар учун қоронғи бўлиб, уни
англамадилар. “Бу нима деганингиз?” деб Исодан сўрашга ҳам ботина олмадилар.

Ким катта?

46 Шогирдлар ўртасида: “Орамизда энг катта ким?” деган баҳс бўлди.
47 Уларнинг бу ўй–хаёлларини билган Исо бир болани олиб Ўзининг ёнига
турғизди–да, 48 уларга деди:

— Ким бу болани Менинг номимдан қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади.
Ким Мени қабул қилса, Мени Юборганни қабул қилган бўлади. Ораларингиздаги
энг кичигингиз аслида энг каттангиздир.

Сизга қарши бўлмаган — сизнинг томонингизда

49 Шунда Юҳанно деди:

— Устоз! Биз бир одамни кўрдик. У Сизнинг номингиз билан жинларни қувиб
чиқараётган экан. У биз билан юрмагани сабабли, унга бундай қилишни ман
этдик.

50 — Ман этманг! — деди Исо. — Кимки сизларга қарши бўлмаса, у сиз
томонда.

Самарияликлар Исони рад қилишади

51 Исонинг осмонга кўтариладиган куни яқинлашиб келаркан, У Қуддусга
боришга қарор қилди. 52 Ўзидан олдин хабарчиларни юборди. Улар Исонинг
келишига ҳозирлик кўриш учун Самариянинг бир қишлоғига кирдилар. 53 Аммо
Самарияликлар* Исони қабул қилмадилар, чунки У Қуддусга кетаётган эди.
54 Унинг шогирдлари Ёқуб билан Юҳанно бу вазиятни кўриб, шундай дедилар:

— Ҳазрат, истасангиз, биз: “Осмондан олов тушсин! Буларни йўқ қилиб
юборсин!” — деб буюрамиз*. 55 Исо эса ўгирилиб қаради–да, уларни койиди.
56 Шундан кейин улар бошқа қишлоққа кетдилар*.

Исога эргашиш шартлари

57 Йўлда кетаётганларида, бир одам Исога:

— Қаерга борсангиз ҳам, мен ортингиздан бораман, — деди. 58 Исо ўша одамга
шундай деди:

— Тулкиларнинг уялари бор, қушларнинг инлари бор. Инсон Ўғлининг эса
бош қўядиган жойи йўқ.

59 Бошқа бир одамга Исо:

— Ортимдан юр! — деди. Лекин у:

— Ҳазрат, ижозат беринг, аввал бориб отамни дафн қилиб келай, — деди.
60 Исо эса ўша одамга айтди:

— Марҳумларни руҳан ўлик бўлганлар* дафн қилсинлар, сен эса бориб,
Худонинг Шоҳлигини эълон қилгин.

61 Яна бошқа бири айтди:

— Ҳазрат, мен Сизга эргашаман. Фақат олдин бориб уйдагилар билан
хайрлашишимга ижозат беринг.

62 Лекин Исо унга деди:
— Омочни тутиб, ортига қараган биронта одам Худонинг Шоҳлигига лойиқ эмас.

10–БОБ

Шогирдларнинг воизлик сафари

1 Шундан кейин Раббимиз Исо етмиш икки* одамни танлаб олди. Уларни иккита–иккита қилиб, боришни мўлжаллаган ҳар бир шаҳарга, ҳар бир жойга Ўзидан олдин жўнатди. 2 Исо уларга шундай деди: “Ҳосил мўл, аммо ишчилар оз. Ҳосил Эгасидан: «Ҳосилингни йиғиб олишга яна ишчилар юбор», деб сўранглар. 3 Боринглар! Сизни бўрилар орасига қўзилардай юборяпман. 4 Ўзларингиз билан ҳамён, тўрва, чориқ олманглар. Йўлда одамлардан ҳол–аҳвол сўрашга вақтингизни кеткизманглар.

5 Бирор хонадонга кирганларингизда, аввало: «Хонадонингизда тинчлик–омонлик бўлсин», деб айтинглар. 6 Агар ўша хонадонда тинчликсевар одам яшаётган бўлса, сиз тилаган тинчлик ўша одамда қолади. Бўлмаса, ўзингизга қайтиб келади. 7 Бир хонадондан бошқа хонадонга кўчиб юрманглар. Кирган хонадонингизда қолинглар. Олдингизга нима қўйишса, ўшани еб–ичинглар. Чунки меҳнаткаш иш ҳақини олишга муносибдир.

8 Бир шаҳарга кирганингизда, шаҳар аҳолиси сизларни қабул қилса, олдингизга қўйганларини енглар. 9 Ўша ердаги хасталарга шифо бериб, шаҳардаги одамларга: «Худонинг Шоҳлиги сизларга яқинлашди», деб айтинглар. 10 Аммо бирон шаҳарга кирганингизда сизларни қабул қилмасалар, ўша шаҳарнинг шоҳ кўчаларига чиқиб шундай деб айтинглар: 11 «Огоҳлантириш тариқасида шаҳрингиздан оёқларимизга ёпишган чангни ҳам қоқиб кетяпмиз*. Аммо билиб қўйинг, Худонинг Шоҳлиги яқинлашди!» 12 Сизларга айтаманки, қиёмат кунида ўша шаҳарнинг ҳоли Садўм шаҳрининг* ҳолидан баттар бўлади.

Худони рад этган шаҳарларнинг ҳоли

13 Сенинг ҳолингга вой, эй Хоразин! Сенинг ҳолингга вой, эй Байтсайда! Агар сизларда қилинган мўъжизалар Тир билан Сидон шаҳарларида* қилинганда эди, улар аллақачон қаноргa ўраниб, кулга ўтириб*, тавба қилган бўлардилар. 14 Қиёмат кунида сизнинг ҳолингиз Тир ва Сидоннинг ҳолидан баттар бўлади. 15 Эй Кафарнаҳум! Худо сени кўкларга кўтаради, деб ўйлайсанми?! Йўқ, У сени тубсиз чуқурликка улоқтиради!”

16 Исо шогирдларига деди: “Сизларга қулоқ солган Менга қулоқ солган бўлади. Сизларни рад қилган Мени рад қилган бўлади. Мени рад қилган эса Мени Юборганни рад қилган бўлади.”

Шогирдлар сафардан қайтади

17 Етмиш икки шогирд хурсанд бўлиб сафардан қайтиб келдилар. Улар Исога шундай дедилар:
— Ҳазрат, биз Сизнинг номингиздан буйруқ берганимизда, ҳатто жинлар ҳам итоат этяптилар.

18 Исо уларга деди:
— Мен шайтоннинг осмондан яшиндай тушганини кўрдим. 19 Мен сизларга илону чаёнларни босиб эзиш ҳокимиятини ва иблиснинг* бутун куч–қудратини оёқ ости қилиш ҳокимиятини берганман. Ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди. 20 Бироқ жинлар сизга бўйсунаётганидан хурсанд бўлманглар, балки номларингиз

осмонда ёзилганидан хурсанд бўлинглар!
21 Шу он Исо Муқаддас Руҳнинг шодлигига тўлиб, деди: “Эй Ота, еру осмоннинг
Эгаси! Сен бу ишларни донолару идроклилардан яшириб, гўдакларга маълум
этганинг учун Сенга шукурлар айтаман. Ҳа, Ота, бу Сенинг эзгу хоҳишинг эди.”
22 Сўнг Исо одамларга деди: “Осмондаги Отам ҳамма нарсани Менинг
ихтиёримга топширган. Ўғилнинг кимлигини Отадан бошқа ҳеч ким билмайди.
Отанинг кимлигини ҳам Ўғилдан бошқа ва Ўғил аён қилишни истаган одамдан
бошқа ҳеч ким билмайди.”
23 Исо шогирдларига ўгирилиб қаради–да, уларга алоҳида деди: “Сизлар
кўраётганларни кўрадиган кўзлар бахтлидир! 24 Сизларга шуни айтай:
қанчадан–қанча пайғамбарлар, қанчадан–қанча шоҳлар сизлар кўрган
воқеаларни кўришни истаганлар, аммо кўрмаганлар. Сизлар эшитганларингизни
эшитишни улар истаганлар, аммо эшитмаганлар.”

Раҳмдил Самариялик ҳақида масал

25 Шунда Исони синаш мақсадида келган Таврот тафсирчиларидан бири туриб,
Унга савол берди:
— Устоз, абадий ҳаётга эга бўлишим учун мен нима қилишим керак?
26 Исо:
— Тавротда бу тўғрида нима ёзилган? Сиз нима деб тушунасиз? — деб сўради.
27 У киши шундай жавоб берди:
— У ерда ёзилганки: “Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз
билан, бутун онгингиз билан, кучингиз борича севинг”*, яна: “Ўзгани ўзингизни
севгандай севинг.”*
28 Исо унга:
— Тўғри жавоб бердингиз. Сиз ҳам шундай қилинг, ана шунда яшайсиз! —
деди. 29 Аммо у одам ўзини оқламоқчи бўлиб, Исодан:
— Менинг яқиним ким? — деб сўради. 30 Исо шундай жавоб берди:
— Бир одам Қуддусдан Ерихога* бораётган экан, қароқчилар қўлига тушиб
қолибди. Қароқчилар унинг кийимларини ечиб олиб, калтаклаб, чалажон қилиб
ташлаб кетибдилар. 31 Тасодифни қарангки, ўша йўлдан бир руҳоний* кетаётган
экан. У ҳалиги одамни кўрибди–ю, йўлнинг нариги четидан ўтиб кетаверибди.
32 Ўша жойдан ўтиб кетаётган леви* ҳам худди шундай қилибди. У ярадор одамни
кўриб, йўлнинг нариги четидан ўтиб кетаверибди. 33 Аммо ўша ердан ўтиб
кетаётган бир Самариялик* ярадор одамни кўриб, унга ачиниб кетибди. 34 Унинг
ёнига келиб, яраларига зайтун мойи, шароб суриб*, боғлаб қўйибди. Сўнг уни ўз
уловига миндирибди–да, меҳмонхонага олиб келиб, уни парвариш қилибди.
35 Эртаси куни* икки кумуш танга* чиқарибди–да, меҳмонхона эгасига бериб:
“Унга яхши қаранг, агар бундан ортиқ харажат қилсангиз, қайтишимда сизга
тўлайман”, дебди.
36 Сизнингча, ўша уч одамдан қайси бири қароқчилар қўлига тушган одамнинг
яқини ҳисобланади?
37 Тафсирчи:
— Унга шафқат кўрсатган одам–да, — деб жавоб берди.
— Боринг, сиз ҳам шундай қилинг! — деди унга Исо.

Исо Марям билан Мартанинг уйида

38 Исо ва Унинг шогирдлари йўлда давом этдилар. Улар бир қишлоққа
кирдилар. У ерда Марта исмли аёл Исони уйига таклиф қилди. 39 Унинг Марям
исмли бир синглиси бор эди. Марям Раббимиз Исонинг оёқлари олдида ўтириб,

Унинг сўзларини тинглар эди. 40 Марта эса меҳмон кутиш билан овора эди.
У Исонинг олдига келиб деди:
— Ҳазрат! Эътибор бермаяпсизми, синглим ҳамма ишни бир ўзимга ташлаб қўйди–ку! Унга айтинг, менга ёрдам берсин.
41 Раббимиз Исо унга шундай жавоб берди:
— Эҳ, Марта, Марта, бунча уриниб ташвишланмасанг! 42 Зарур бўлган биттагина нарса бор. Марям ўзи учун энг яхшисини танлади ва бу ундан тортиб олинмайди.

11–БОБ

Ибодат ҳақида

1 Бир пайт Исо ибодат қилаётган эди. Ибодатни тамом қилгач, шогирдларидан бири Унга деди:
— Ҳазрат! Яҳё ўз шогирдларига ибодат қилишни ўргатганди. Сиз ҳам бизга ибодат қилишни ўргатинг.
2 Исо уларга деди:
— Ибодат қилаётганингизда шундай деб айтинглар:

“Эй осмондаги Отамиз!
Сенинг муқаддас номинг улуғлансин.
Сенинг Шоҳлигинг келсин*.
3 Кундалик ризқимизни бергин.
4 Гуноҳларимизни кечиргин,
Чунки биз ҳам ўзимизга қарши гуноҳ қилган ҳар бир одамни кечирамиз.
Бизни васвасага дучор қилмагин*.”

5 Исо шогирдларига деди: “Фараз қилайлик, орангиздан бирортангиз ярим кечаси дўстингизнинг олдига бориб, шундай деб илтимос қилдингиз:
— Дўстим, менга учта нон қарзга бериб тур. 6 Ҳозир уйимга бир дўстим келиб қолди, унинг олдига қўядиган бирон егулигим йўқ.
7 Ичкаридаги дўстингиз эса сизга шундай жавоб берди дейлик:
— Мени безовта қилма! Эшик қулф, болаларим мен билан бир тўшакда ётишибди. Ўрнимдан туриб сенга нон беролмайман!
8 Мен сизларга айтаман: у сизга нонни дўсти бўлганингиз учун бермаса ҳам, сиз уни ҳоли–жонига қўймай сўрайверсангиз, сўраган нарсангизни албатта сизга беради.
9 Сизларга айтаман: сўранг ва сизга берилади. Изланг, топасизлар. Тақиллатинг, эшик очилади. 10 Чунки сўраган ҳар бир одам олади, излаган топади, тақиллатганга эшик очилади.
11 Орангиздан қайси бир ота, ўғли балиқ сўраганда, унга балиқ ўрнига илон беради?* 12 Ёки тухум сўраганда, унга чаён беради? 13 Сизлар гуноҳкор бўла туриб болаларингизга яхши ҳадялар бера олар экансиз, осмондаги Ота ҳам Ундан сўраганларга Муқаддас Руҳни беришга қанчалар тайёр.”

Исо ва шайтон

14 Бир куни Исо соқов одамдан ёвуз руҳни қувиб чиқарди. Жин чиққандан сўнг, соқов тилга кирди, халқ эса ҳайратда қолди. 15 Аммо ораларидан баъзилари: “У инс–жинслар ҳукмдори Баалзабулнинг* кучи билан жинларни қувиб чиқаряпти!” дедилар. 16 Бошқалар эса Исонинг Худодан келганини синаб кўрмоқчи бўлиб,

мўъжизали аломат кўрсатишини талаб қилдилар.
17 Исо эса уларнинг нима ҳақида ўйлаётганини билиб турарди. У ўша
одамларга деди: “Низо туфайли ўз ичидан бўлиниб кетган ҳар бир шоҳлик хароб
бўлади, низо туфайли бўлинган хонадон барбод бўлади. 18 Шу сингари, шайтон
шоҳлиги ҳам ўзаро бўлиниб кетса, унинг шоҳлиги қандай тура олади?!
Сизларнинг гапингизга кўра, инс–жинслар ҳукмдори — Баалзабул ато этган
қудрат билан Мен жинларни қувиб чиқараётган эмишман. 19 Агар Мен жинларни
Баалзабулнинг кучи билан қувиб чиқараётган бўлсам, у ҳолда ўз шерикларингиз
кимнинг кучи билан жинларни қувиб чиқаришяпти? Шу сабабдан ҳам
шерикларингиз сизларни ҳукм қилади. 20 Агар Мен жинларни Худонинг қудрати
билан қуваётган бўлсам, демак, Унинг Шоҳлиги сизларга ҳам келган.
21 Бошдан–оёқ қуролланган кучли одам уйини қўриқлаганда, унинг
мол–мулки бехатар бўлади. 22 Аммо ундан кучлироғи ҳужум қилиб уни енгса,
унинг таянган барча қуролларини тортиб олади ва ўлжасини истаганига
тақсимлаб беради. 23 Ким Мен томонда бўлмаса, Менга қаршидир. Ким Мен билан
бирга йиғмаса, сочади.
24 Ёвуз руҳ инсондан чиққандан кейин, ҳузур–ҳаловат излаб, сувсиз ерларни
кезади ва топмагач: «Чиққан уйимга қайтиб бораман», дейди. 25 Уйига келганда,
уйни супурилган ва йиғиштирилган ҳолда кўради. 26 Шунда бориб, ўзидан ҳам
ёвузроқ бошқа еттита руҳни чақиради ва улар билан уйга кириб, жойлашиб
олади. Охир–оқибат ўша одамнинг аҳволи олдингидан ҳам баттар бўлади.”

Ҳақиқий бахтиёрлик

27 Исо шу гапларни айтаётганда, оломон орасидан бир аёл баланд овозда Исога
деди:
— Сизни қорнида кўтариб юрган, Сизни эмизган аёл бахтлидир!
28 Исо эса жавобан шундай деди:
— Тўғри, лекин Худонинг каломини тинглаб, унга риоя қиладиганлар
бахтлироқдир!

Юнус пайғамбарнинг аломати

29 Исонинг олдига катта оломон йиғилгандан кейин, Исо сўз бошлади:
“Ҳозирги насл қабиҳ бир наслдир. Бу насл аломат сўрайди, аммо уларга Юнуснинг
аломатидан* бошқа аломат берилмайди. 30 Юнус Найнаво* аҳолисига аломат
бўлгани сингари, Инсон Ўғли ҳам ҳозирги насл учун аломат* бўлади. 31 Жануб
маликаси* қиёмат кунида ўрнидан туриб, бу наслнинг одамларини маҳкум этади.
Чунки Сулаймоннинг доно таълимотини тинглагани малика дунёнинг у четидан
келган эди. Бу ерда эса Сулаймондан ҳам буюкроқ бир Зот турибди! 32 Найнаво
аҳолиси қиёмат кунида ўрнидан туриб, бу наслни маҳкум этади. Чунки
Найнаволиклар Юнуснинг ваъзидан кейин тавба қилганлар. Бу ерда эса Юнусдан
ҳам буюкроқ бир Зот турибди!

Тананинг чироғи

33 Ҳеч ким чироқни ёқиб, уни кўринмас ерга қўймайди. Аксинча, кирганлар
ёруғликни кўрсин деб, уни чироқпояга қўяди. 34 Тананинг чироғи — кўз. Агар
кўзингиз яхши бўлса, бутун танангиз ёп–ёруғ бўлади. Агарда кўзингиз ёмон
бўлса, бутун танангиз зимзиё зулмат бўлади. 35 Шунинг учун эътибор беринг:
сиздаги нур зулмат бўлмасин. 36 Агар танангиз ёп–ёруғ бўлиб, бironта қоронғи
жойи бўлмаса, чироқнинг нури сизни ёритиб тургандай, баданингиз тамомила
ёп–ёруғ бўлади.”

Исо фарзийларни ва Таврот тафсирчиларини айблайди

37 Исо буларни гапириб турганда, бир фарзий Уни меҳмонга таклиф қилди. Исо
унинг уйига кириб, дастурхон ёнига ёнбошлади. 38 Исо овқатдан олдин қўлларини
ювмаганини* фарзий кўриб, ажабланди.
39 Раббимиз Исо унга деди: “Эй фарзийлар, сизлар пиёлаю идишнинг сиртини
тозалайсизлар–у, аммо ичингиз очкўзлик ва ёвузликка тўла! 40 Ҳой бефаҳмлар!
Нарсанинг сиртини яратган унинг ичини ҳам яратган эмасми?! 41 Яхшиси,
идишингиз ичидагини камбағалларга хайр–садақа қилиб беринглар. Шунда
ҳамма нарса сиз учун ҳалол бўлади.
42 Эй фарзийлар, ҳолингизга вой! Сизлар ялпиз, заъфарон ва ҳар хил ошкўкдан
ушр* берасизлар–у, аммо адолат ва Худонинг севгисини писанд қилмайсизлар!
Буларнинг бирини бажара туриб, иккинчисини ҳам ташлаб қўймаслигингиз
керак эди.
43 Эй фарзийлар, ҳолингизга вой! Сизлар синагогаларнинг тўрида ўтиришни ва
бозорларда сизларга салом беришларини яхши кўрасизлар. 44 Ҳолингизга вой!*
Сизлар белгиси йўқ қабрларга ўхшайсизлар. Одамлар билмай туриб ўша қабрлар*
устидан босиб ўтадилар.”
45 Таврот тафсирчиларидан бири Исога деди: “Устоз, бу сўзларингиз билан
бизни ҳақорат қилдингиз!”
46 Исо эса деди: “Эй тафсирчилар, сизларнинг ҳам ҳолингизга вой! Сизлар
кўтариб бўлмайдиган оғир юкни одамларга юклайсизлар–у, уларга ёрдам
бергани ўзларингиз ҳатто бармоғингизни ҳам қимирлатмайсизлар. 47 Ҳолингизга
вой! Сизлар ота–боболарингиз ўлдирган пайғамбарларга мақбаралар
қуряпсизлар. 48 Шу тариқа ота–боболарингизнинг қилмишларини
маъқуллаганингизни тасдиқлаяпсизлар. Улар пайғамбарларни ўлдиришган
бўлса, сизлар пайғамбарларга мақбаралар қуряпсизлар! 49 Шунинг учун ҳам Худо
Ўз ҳикматларида шундай деган: «Мен уларга пайғамбарлар ва ҳаворийлар
юбораман. Улардан баъзиларини ўлдирадилар, баъзиларини эса қувғин
қиладилар.»
50 Дунё яратилгандан бери ҳамма пайғамбарларнинг тўкилган қони учун бу
насл жазоланади. 51 Улар Ҳобилнинг тўкилган қонидан тортиб, қурбонгоҳ билан
Маъбад орасида ўлдирилган Закариёнинг* қонигача жавоб беришади. Ҳа,
сизларга айтиб қўяй, бу насл ҳамма қотилликлар учун жавобгар бўлади.
52 Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар! Сизлар илму маърифат калитини тортиб
олдингизлар. Аммо ўзларингиз кирмадингизлар, кирмоқчи бўлганларнинг ҳам
йўлларини тўсдингизлар.”
53 Исо у ердан чиқиши биланоқ*, тафсирчилар ва фарзийлар Уни қаттиқ
сиқувга олдилар, кўп саволларга жавоб беришга мажбурладилар. 54 Улар Исони
тилидан илинтириб олиш учун фурсат пойлардилар.

12–БОБ

Исо иккиюзламачилик ҳақида огоҳлантиради

1 Шу орада минглаб одамлар тўпланиб, бир–бирларини итариб сиқишаётган
эдилар. Исо аввал шогирдларига гапира бошлади: “Фарзийларнинг
хамиртурушидан*, яъни уларнинг иккиюзламачилигидан* эҳтиёт бўлинглар!
2 Ахир, ҳар қандай яширин нарса маълум бўлади, ҳар қандай сир очилади. 3 Шу
боис қоронғида айтганларингиз ёруғликда эшитилади, ёпиқ эшиклар ортида
шивирлаб айтганларингизни уйларнинг томи устида бақириб эълон қилишади.

Қўрқиш ва қўрқмаслик ҳақида

4 Сизларга шуни айтай, дўстларим: танани ўлдириб, ундан кейин бошқа бирон
нарса қила олмайдиганлардан қўрқманглар. 5 Бироқ кимдан қўрқишингиз
кераклигини сизларга уқтирай: Худодан қўрқинглар, чунки У одамни ўлдириб,
дўзахга ташлашга ҳам қодир. Ҳа, сизларга айтаман: Худодан қўрқинглар!
6 Бешта чумчуқ икки тангага* сотилади, шундай эмасми? Бироқ буларнинг
биронтаси ҳам Худонинг назаридан четда қолмаган. 7 Сизларнинг эса ҳатто
бошингиздаги ҳар бир тола сочингиз саналган. Қўрқманглар, сизлар кўплаб
чумчуқлардан қадрлироқсизлар.

Масиҳни эътироф этиш ва рад қилиш тўғрисида

8 Сизларга яна шуни айтай: ким Мени инсонлар олдида тан олса, Инсон Ўғли
ҳам Худонинг фаришталари олдида уни тан олади. 9 Аммо ким инсонлар олдида
Мени рад этса, у ҳам Худонинг фаришталари олдида рад этилади. 10 Кимки Инсон
Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким Муқаддас Руҳга куфрлик қилса*,
кечирилмайди.
11 Сизларни синагогаларга, бошлиқлар ва ҳокимлар олдига олиб
келганларида: «Ўзимизни қандай ҳимоя қиламиз, нима айтамиз», деб хавотир
олманглар. 12 Нима айтишингизни ўша вақтда сизга Муқаддас Руҳ ўргатади.”

Аҳмоқ бой ҳақида масал

13 Оломон орасидан кимдир Исога айтди:
— Устоз, акамга айтинг, отамиз бизга қолдирган меросни мен билан
бўлишсин.
14 — Эй инсон! Ким Мени сизларга қози ёки мерос бўлувчи қилиб қўйибди? —
деди унга Исо. 15 Сўнг халойиққа деди:
— Эҳтиёт бўлинглар, ўзингизни ҳар қандай очкўзликдан сақланглар. Зеро,
инсоннинг умри мол–мулкининг кўплигига боғлиқ эмас.
16 Исо уларга шундай масал айтди: “Бир бой одамнинг даласи мўл ҳосил
берибди. 17 Бой кўнглида:
— Нима қилсам экан, ҳосилимни сақлашга етарли жойим йўқ–ку, — деб
ўйлабди. 18 Ниҳоят, у шундай дебди:
— Энди бундай қиламан: омборларимни бузиб, каттароқларини қураман.
Ҳамма дон–дунларимни, бойликларимни ўша ерда сақлайман. 19 Шунда ўзимга
ўзим дейман: “Кўп йилларга етадиган мол–мулк тўпладим. Энди роҳатланаман,
еб–ичаман, кайфу сафо қиламан.”
20 Аммо Худо унга шундай дебди:
— Эй нодон! Шу тундаёқ жонинг олинади. Йиғиб–терган мол–мулкинг энди
кимга қолади?!
21 Ҳа, ўзи учун бойлик йиққан, аммо Худонинг назарида бой бўлмаган
одамнинг қисмати шундай бўлади.”

Тирикчилик ташвишлари ҳақида

22 Исо шогирдларига шундай деди: “Шунинг учун сизларга айтаман:
тирикчилигингиздан хавотир олиб, нима еймиз, устимизга нима киямиз,
деманглар. 23 Ахир, ҳаёт овқатдан, тана эса кийимдан муҳимроқ–ку! 24 Қарғаларга
қаранглар: улар на экади, на ўради, на омборлари, на қўралари бор. Шунга
қарамай, Худо уларнинг ризқини беради. Сизлар эса қушлардан анча
қадрлисизлар! 25 Биронтангиз ташвишланиб, умрингизни бир лаҳзага бўлса ҳам
узайтира олармидингиз?! 26 Шундай арзимас иш қўлингиздан келмас экан, нега
қолган нарсалар ҳақида ташвиш тортасиз?

27 Нилуфар гулларнинг қандай ўсишига эътибор қилинг: улар меҳнат
қилмайди, ип йигирмайди. Аммо сизларга айтаманки, ҳатто шоҳ Сулаймон*
ўзининг шуҳрат чўққисида ҳам ўша гулларнинг биронтасидай кийинмаган.
28 Бугун бор, эртага эса ўчоққа ташланадиган дала ўтини Худо шундай безаган
бўлса, наҳотки сизларни кийинтирмаса, эй имони сустлар! 29 Нима еймиз, нима
ичамиз, деб ташвишланиб безовта бўлманглар. 30 Худони билмайдиган халқлар
ҳадеб бу нарсаларнинг ташвишида юрадилар. Лекин осмондаги Отангиз буларга
муҳтож эканингизни билади–ку! 31 Сизлар, яхшиси, Худонинг Шоҳлиги пайида
бўлинглар, шунда қолган нарсалар ҳам сизга берилади.
32 Эй кичик сурув, қўрқманглар! Осмондаги Отангиз Ўз Шоҳлигини сизларга
беришни маъқул топди. 33 Мол–мулкингизни сотиб, хайр–садақа беринглар.
Ўзингизга эскирмайдиган ҳамёнлар, самоларда битмас–туганмас хазина
тайёрланглар. У ерга ўғри яқинлаша олмайди, хазинангизни куя ея олмайди*.
34 Хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади.

Ҳушёр хизматкорлар

35 Ҳар доим тайёр ҳолда туринглар: белбоғларингиз белингизда боғланган,
чироқларингиз ёниб турган бўлсин! 36 Сизлар хўжайинининг тўйдан қайтишини
интизорлик билан кутган хизматкорлардай бўлинглар. Хўжайин келиб, эшикни
тақиллатиши биланоқ эшикни очадиган бўлинглар. 37 Хўжайин келганда ҳушёр
турган хизматкорлар бахтлидир! Сизларга чинини айтай: хўжайин белини
боғлаб, хизматкорларини дастурхонга ўтқазади ва уларга ўзи хизмат қилади.
38 Хўжайин ярим тунда келадими ёки тонгга яқин келадими, хизматкорларини
ҳушёр ҳолда кўрса, ўша хизматкорлар нақадар бахтлидир!
39 Аммо шуни билиб қўйингки, агар уй эгаси ўғрининг қачон келишини
билганда эди, уйига бузиб киришга ўғрига йўл қўймаган бўларди. 40 Шунингдек,
сизлар ҳам тайёр туринглар, чунки Инсон Ўғли сизлар кутмаган вақтда келади.”
41 Шу пайт Бутрус сўради: “Ҳазрат, бу масални фақат бизга айтяпсизми ё
ҳаммагами?”
42 Раббимиз Исо шундай жавоб берди: “Ишончли ва ақлли уй бошқарувчиси
ким? Хўжайин бундай одамни ўз хизматкорларига бошлиқ қилиб қўяди, уларга ўз
вақтида овқат тарқатишни унга топширади. 43 Хўжайин уйга қайтганда ўша
хизматкорини юмуш устида кўрса, хизматкор нақадар бахтлидир! 44 Сизларга
чинини айтай: хўжайин ўша хизматкорини бутун мулки устидан бошқарувчи
қилиб қўяди. 45 Борди–ю, у хизматкор кўнглида: «Хўжайиним ҳали бери қайтиб
келмайди» деб, бошқа хизматкорларни ура бошласа, еб–ичиб, маст бўлса,
46 хизматкор кутмаган кунда, ўйламаган соатда хўжайини келиб қолади,
хизматкорини қаттиқ жазолаб, бошига садоқатсизларнинг кунини солади.
47 Хўжайиннинг хоҳишини билган, аммо ҳозирлик кўрмаган ва унинг
хоҳишини бажармаган хизматкор кўп калтак ейди. 48 Билмай туриб жазога
муносиб иш қилган хизматкор эса кўп калтакланмайди. Кимга кўп берилган
бўлса, ундан кўп сўралади. Кимга кўп ишониб топширилган бўлса, ундан кўпроқ
талаб қилинади.

Исо — бўлинишнинг сабабчиси

49 Мен ер юзига олов келтиргани келдим. Қанийди, бу олов ҳозироқ аланга
олиб кетса! 50 Мен чуқур қайғу–аламларга ботаман. Бу амалга ошмагунча қаттиқ
изтироб чекаман! 51 Мени ер юзига тинчлик олиб келган, деб ўйлайсизларми?
Йўқ, деб айтаман, бўлиниш олиб келганман! 52 Зеро, бундан буён бир уйда яшаган
беш киши бўлинади, учтаси иккитасига ва иккитаси учтасига қарши бўлади. 53 Ҳа,

улар бўлинади:

Ота ўғлига қарши чиқади,
Ўғил отасига қарши бўлади,
Она қизига қарши чиқади,
Қиз онасига қарши бўлади,
Қайнана келинига қарши чиқади,
Келин қайнанасига қарши бўлади.”

Замон аломатлари ва абадийлик

54 Исо оломонга шундай деди: “Ғарбда булут кўтарилиб келаётганини
кўрганингизда, сизлар дарров: «Ҳозир ёмғир ёғади», деб айтасизлар. Шундай
бўлади ҳам. 55 Жанубдан шамол эсаётганини кўрганингизда, сизлар: «Жазирама
иссиқ бўлади», деб айтасизлар. Шундай бўлади ҳам. 56 Эй иккиюзламачилар!
Сизлар ер у осмоннинг авзойига қараб, об–ҳавони аниқлай оласизлар–ку! Нима
учун ҳозирги замонни талқин қила олмайсизлар?! 57 Нима тўғрилигини нега
ўзингиз қарор қила олмайсизлар? 58 Шундай экан, биронтаси билан даъволашиб,
у билан бирга маҳкамага кетаётганингизда, йўлда у билан ярашишга ҳаракат
қилинг. Агар шундай қилмасангиз, у сизни қозининг олдига судраб боради, қози
сизни зиндонбонга топширади. Зиндонбон эса сизни зиндонга ташлайди.
59 Сизларга шуни айтай: қарзингизни охирги тийинигача тўламагунингизча, у
ердан чиқолмайсиз.”

13–БОБ

Тавба ва ҳалокат ҳақида

1 Ўша вақтда баъзи одамлар келиб, Исога ҳоким Пилат* ўлдирган
Жалилаликлар ҳақида хабар қилишди. Жалилаликлар қурбонлик келтираётган
пайтда Пилат уларни ўлдириб, қонларини сўйилган қурбонликлар қонига
аралаштириб ташлаган эди.
2 Исо хабарчиларга деди: “Сизнингча, бу Жалилаликлар бошқа ҳамма
Жалилаликларга қараганда кўпроқ гуноҳ қилганлари учун шунчалик жафо
чекдиларми? 3 Сизга йўқ, дейман. Лекин тавба қилмасангизлар, ҳаммаларингиз
улар каби ҳалок бўласизлар. 4 Ёки Силоам қишлоғидаги* минора қулаганда нобуд
бўлган ўн саккиз кишини олайлик. Сизларнинг фикрингизча, ўша нобуд
бўлганлар Қуддусда яшайдиган қолган ҳамма одамдан кўра, кўпроқ гуноҳ қилган
эдиларми? 5 Сизларга, йўқ, деб айтаман. Лекин тавба қилмасангизлар, ҳаммангиз
улар каби ҳалок бўласизлар.”

Ҳосилсиз анжир дарахти ҳақида масал

6 Шундан кейин Исо шу масални айтиб берди: “Бир одамнинг узумзорига
анжир дарахти экилган экан. Ўша одам келиб, анжир дарахтидан мева излабди,
аммо топа олмабди. 7 У боғбонга дебди:
— Менга қара, уч йилдирки, мен мана бу анжир дарахтидан мева излайман,
аммо шу пайтгача биронта мева топа олмадим. Уни кесиб ташла! Бекорга ерни
эгаллаб туришининг нима кераги бор?!
8 Боғбон эса шундай жавоб берибди:
— Хўжайин, дарахтингиз бу йил ҳам турсин. Мен унинг атрофини чопиб, гўнг
солай. 9 Балки келгуси йил мева берар. Агар бермаса, унда кесиб ташлаймиз.”

Шаббат куни Исо букри аёлга шифо беради

10 Шаббат куни Исо синагогаларнинг бирида таълим бераётган эди. 11 У ерда
ўн саккиз йилдан бери жинга чалинган бир аёл бор эди. У икки букилиб қолган
бўлиб, қаддини умуман ростлай олмасди. 12 Исо уни кўргач, ёнига чақириб деди:
— Эй аёл, сен дардингдан халос бўлдинг!
13 Сўнг аёлга қўлларини қўйди, шу заҳоти аёлнинг қадди тикланди–қолди. Аёл
Худога ҳамду санолар айтди.
14 Исо Шаббат куни хастага шифо бергани учун синагога бошлиғи аччиқланиб,
оломонга шундай деди:
— Ишлаш учун олти кун бор. Шифо топмоқчи бўлсангиз, Шаббатдан бошқа
куни келинглар.
15 Раббимиз Исо унга жавобан деди:
— Эй иккиюзламачилар! Сизлар ўзларингиз ҳам Шаббат куни ҳўкизингиз ёки
эшагингизни охурдан ечиб, суғоргани олиб борасизлар–ку! 16 Бу эса Иброҳимнинг
қизи, ахир! Шайтон ўн саккиз йилдан бери уни боғлаб қўйган эди. Уни Шаббат
куни кишанларидан озод қилиш наҳотки мумкин бўлмаса?!
17 Исо шу гапларни айтганда, Унинг ҳамма рақиблари шарманда бўлдилар.
Жамики оломон эса Исо қилган ажойиб ишлардан хурсанд эди.

Хантал уруғи ҳақида масал

18 Исо деди: “Худонинг Шоҳлиги нимага ўхшайди? Уни нимага ўхшатсам
бўлади? 19 Худонинг Шоҳлиги бир одам ўз боғига эккан хантал уруғига* ўхшайди.
Уруғ униб–ўсиб, дарахт бўлади, қушлар унинг шохларига уя қуради.”

Хамиртуруш ҳақида масал

20 Исо яна шундай деди: “Худонинг Шоҳлигини яна нимага ўхшатсам бўлади?
21 Худонинг Шоҳлиги хамиртурушга ўхшайди. Аёл бир бўлак хамиртурушни бир
тоғора* унга қорса ҳам, ҳамма хамир ошади.”

Нажот эшиги тордир

22 Исо Қуддусга йўл олди ва шаҳару қишлоқларга бориб, таълим берар эди.
23 Бир одам Ундан сўради: “Ҳазрат, наҳотки саноқли одам нажот топса?!”
Исо шундай жавоб берди: 24 “Тор эшикдан киришга жон–жаҳдингиз билан
ҳаракат қилинглар. Сизларга шуни айтай: кўп одам ичкари киришга интилади,
аммо кира олмайди. 25 Уй эгаси ўрнидан туриб эшикни ёпганда, сизлар ташқарида
қолиб эшикни тақиллатасизлар ва:
Ҳазрат, бизга эшикни очинг! — деб айтасизлар. У эса сизларга:
— Кимлигингизни ва қаердан келганингизни билмайман! — деб жавоб
беради. 26 Шунда сизлар:
— Ахир, биз Сиз билан бирга еб–ичганмиз! Кўчаларимизда таълим бергансиз!
— деб айтасизлар. 27 Аммо У сизларга дейди:
— Мен сизларни танимайман! Қаерданлигингизни ҳам билмайман!
Йўқолинглар олдимдан, эй бадкирдорлар!
28 Сизларни ташқарига қувиб чиқаришганда, қаттиқ пушаймон бўласизлар,
фиғон чекасизлар, чунки Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб* ва барча пайғамбарлар Худонинг
Шоҳлигида эканини кўрасизлар. 29 Шундан кейин шарқу ғарбдан, шимолу
жанубдан одамлар келиб, Худонинг Шоҳлигида зиёфатга ўтирадилар. 30 Шунда
охирги бўлган баъзи одамлар биринчи бўладилар, биринчи бўлган баъзилар эса
охирги бўладилар.”

Исонинг Қуддус учун ноласи

31 Шу пайтда фарзийлардан айримлари Исонинг олдига келиб дейишди:
— Бу ердан кетишингиз керак. Ҳирод* Сизни ўлдирмоқчи.
32 Исо уларга шундай деди:
— Бориб у тулкига айтинглар: “Эшитиб ол, Мен бугун ҳам, эртага ҳам жинларни қувиб, хасталарга шифо бераман. Учинчи куни эса ишимни тугатаман.” 33 Аммо шундай бўлса ҳам, Мен бугун, эртага ва индинга Ўз йўлимдан қолмаслигим керак. Ахир, пайғамбар Қуддусдан ташқарида ўлдирилиши мумкин эмас. 34 Эҳ Қуддус, Қуддус! Пайғамбарларни қатл этиб, ҳузурига юборилганларни тошбўрон қилувчи шаҳар! Товуқ ўз жўжаларини қанотлари остига қандай тўпласа, Мен ҳам сенинг халқингни бир неча марта шундай тўпламоқчи бўлдим. Лекин сен истамадинг. 35 Эй Қуддус аҳолиси, сизнинг Маъбадингиз ҳувиллаб қолади. Сизга шуни айтай: “Эгамиз номидан келадиган Инсон барака топсин”*, деб айтмагунингизча, Мени кўрмайсизлар.

14–БОБ

Исо Шаббат куни хастага шифо беради

1 Бир Шаббат куни Исо фарзийлар раҳнамоларидан бирининг уйига меҳмонга борди. Уни диққат билан кузатиб ўтиришарди. 2 Исонинг олдига истисқо дардидан қўл–оёқлари шишиб кетган бир одам келиб қолди. 3 Исо Таврот тафсирчиларидан ва фарзийлардан сўради:
— Қонунимизга кўра, Шаббат куни одамга шифо бериш мумкинми ёки йўқми?
4 Улар эса индамадилар.
Исо хаста одамга қўл теккизиб, шифо берди ва уни жўнатиб юборди. 5 Сўнг уларга деди:
— Бирортангизнинг фарзандингиз* ёки молингиз қудуққа тушиб кетса, Шаббат куни бўлишига қарамай, уни дарҳол чиқариб олмайсизларми?!
6 Улар эса бу гапга бирон жавоб топа олмадилар.

Камтарлик ва меҳмондўстлик

7 Меҳмонлар тўрдан жой танлашга интилаётган эдилар. Исо буни кўриб, шундай масал айтди: 8 “Сизни тўй зиёфатига таклиф қилишганда, тўрга чиқиб олманг. Меҳмонга чақирилганлар орасида сиздан ҳам ҳурматлироқ бошқаси бўлиши мумкин. 9 Икковингизни таклиф қилган мезбон келиб, сизга:
— Жойингизни бу одамга бўшатиб беринг, — деб айтиши мумкин. Шунда сиз хижолат тортиб, пойгакда ўтиришга мажбур бўласиз. 10 Шунинг учун таклиф этилганингизда, пойгакда ўтиринг, токи мезбоннинг ўзи келиб сизга:
— Дўстим, илтимос тўрга чиқинг, — деб айтсин. Шунда бошқа меҳмонлар кўзида сизнинг ҳурматингиз ошади. 11 Зотан, ўзини ўзи юксалтирган камситилади, ўзини паст тутган эса юксалтирилади.”
12 Исо Ўзини таклиф қилган хонадон соҳибига айтди:
— Тушки ё кечки зиёфат берганингизда, дўстларингизни ёки ака–укаларингизни, қариндош–уруғларингизни ё бўлмаса, бой қўшниларингизни таклиф қилманг. Акс ҳолда, улар ҳам сизни меҳмонга чақириб, қилган яхшилигингизни қайтарадилар. 13 Аксинча, зиёфат берганингизда, камбағал–қашшоқларни, чўлоқ, шолларни, кўрларни таклиф қилинг. 14 Шунда бахтли бўласиз. Чунки улар қилган яхшилигингизни қайтара олмасалар–да, солиҳлар тирилган замонда бунинг савобини кўрасиз.

Тўкин зиёфат ҳақида масал

15 Дастурхон атрофида ўтирган меҳмонлардан бири Исонинг бу сўзларини
эшитиб, Унга деди:
— Худонинг Шоҳлигида зиёфат ейдиган киши бахтлидир!
16 Исо ўша одамга шундай деди: “Бир одам катта зиёфат тайёрлаб, кўпчиликни
таклиф этибди. 17 Зиёфат вақти бўлганда:
— Келинглар, дастурхон тайёр бўлди, — деб меҳмонларни чақиргани
хизматкорини юборибди. 18 Аммо таклиф қилинганларнинг ҳаммаси бирдай узр
сўрай бошлабдилар. Биринчиси унга дебди:
— Мен ер сотиб олган эдим, ўша ерни кўргани боришим керак. Илтимос, мени
кечиринг.
19 Бошқаси эса:
— Мен беш жуфт ҳўкиз сотиб олдим, уларни синагани кетяпман. Илтимос,
мени кечиринг, — дебди. 20 Яна бошқаси:
— Мен янги уйландим, шунинг учун бора олмайман, — дебди.
21 Хизматкор қайтиб келиб, хўжайинига ахборот берибди. Шунда уй соҳиби
ғазабланиб, хизматкорига буюрибди:
— Ҳозироқ шаҳар кўчаларини, йўлакларини айланиб чиқ. Қашшоқ, чўлоқ, кўр
ва шолларни бу ерга олиб кел.
22 Бир оз вақтдан кейин хизматкор шундай деб келди:
— Хўжайин, буюрганларингизни бажардим, лекин яна бўш жой қолди.
23 Шунда хўжайин хизматкорига айтибди:
— Йўлларга, йўлакларга бор, одамларни кўндириб олиб кел, токи уйим
тўлсин. 24 Сизларга айтай: таклиф қилинганларнинг бирортаси ҳам зиёфат
таомларидан асло тотиб кўрмайди*.”

Шогирдликнинг қиймати

25 Катта бир оломон Исога эргашиб кетаётган эди. Исо уларга қараб деди:
26 “Менга эргашган одам Мени ота–онасидан, ака–ука ва опа–сингилларидан,
ҳатто ўз жонидан ортиқ севиши керак*, акс ҳолда, у Менинг шогирдим
бўлолмайди. 27 Ўз хочини кўтариб*, ортимдан юрмаган одам ҳам Менинг
шогирдим бўлолмайди.
28 Сизлардан бирортангиз минора қурмоқчи бўлсангиз, уни битириш учун
маблағ етарлими, деб олдиндан харажатини ҳисоблаб чиқмайсизми? 29 Акс ҳолда,
сиз пойдевор ётқизасиз–у, минорани битказа олмайсиз. Буни кўрганларнинг
ҳаммаси устингиздан кулиб, шундай деб айтишади: 30 «Бу одам қурилишни
бошлади, аммо битира олмади.»
31 Ёки қайси шоҳ бошқа бир шоҳга қарши урушга чиқишдан аввал ўтириб:
«Душман йигирма минг аскари билан менга қарши келяпти, мен ўн минг аскарим
билан унга бас кела оламанми?» деб ўйламайдими?! 32 Кучи етмаса, душман ҳали
узоқдалигида унинг олдига элчи юбориб, сулҳ тузайлик, деб илтимос қилади.
33 Худди шу сингари, бор мол–мулкингиздан кечмасангиз, бирортангиз ҳам
Менинг шогирдим бўла олмайсиз.

Туз ҳақида

34 Туз — яхши нарса. Лекин туз ўз таъмини йўқотса, уни яна қандай шўр қилиб
бўлади?! 35 Бундай туз ерга ҳам, гўнгга ҳам ярамайди, уни ташлаб юборадилар.
Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”

15–БОБ

Адашган қўй ва йўқолган танга ҳақида масал

1 Ҳамма солиқчилар* ва гуноҳкорлар Исонинг таълимотини тинглаш учун
келар эдилар. 2 Фарзийлар билан Таврот тафсирчилари: “Ана, У гуноҳкорларни
қабул қилиб, улар билан бирга еб–ичяпти”, деб минғирлаб норози бўлдилар. 3 Исо
эса уларга қуйидаги масални айтиб берди: 4 “Сизларнинг орангизда кимнингдир
юзта қўйи бўлса–ю, биттаси адашиб қолса, тўқсон тўққизтасини яйловда
қолдириб, адашган қўйни топмагунча қидирмайдими? 5 Ўша қўйини топганда,
хурсанд бўлиб елкасига кўтариб олади. 6 У уйига келиб, дўстларини,
қўшниларини чақиради ва уларга:

— Мен йўқолган қўйимни топдим! Хурсандчилигимга шерик бўлинглар, —
деб айтади.

7 Сизларга айтаманки, худди шу сингари, тавбага ҳожат сезмаган тўқсон
тўққизта солиҳ одамдан кўра, тавба қилган битта гуноҳкор учун самода кўпроқ
шодлик бўлади.

8 Ёки қайси бир аёлнинг ўнта кумуш тангаси* бўлса–да, биттасини йўқотиб
қўйса, у чироқ ёқиб тангани топмагунча уйини супуриб–сидириб синчиклаб
қидирмайдими?! 9 Тангани топгач, дугоналарини ва қўшниларини чақириб:

— Мен йўқолган тангамни топдим! Хурсандчилигимга шерик бўлинглар, —
дейди.

10 Сизларга айтаманки, худди шу сингари, тавба қилган битта гуноҳкор учун
Худонинг фаришталари ҳузурида шодлик бўлади.”

Дарбадар ўғил ҳақида масал

11 Исо яна деди: “Бир одамнинг икки ўғли бор экан. 12 Уларнинг кичиги
отасига:

— Ота, мол–мулкингиздан менга тегишли қисмини беринг, — дебди.

Отаси мол–мулкини икки ўғлига бўлиб берибди.

13 Орадан кўп ўтмай, кичик ўғил бор нарсасини йиғиштириб, узоқ бир
мамлакатга кетибди. У ерда шалоқ яшаб, мол–дунёсини кўкка совурибди.
14 Борини исроф қилгандан кейин, ўша мамлакатда оғир қаҳатчилик бошланибди.
Йигит ҳам муҳтожликда қолибди. 15 У бориб, ўша мамлакат фуқароларидан
бирига ёлланибди. У одам эса йигитни ўз даласидаги чўчқаларни* боқишга
юборибди. 16 Йигит чўчқалар ейдиган қўзоқлар билан қорнини тўйдиришга ҳам
зор бўлибди, лекин унга шуни ҳам раво кўришмас экан.

17 Ниҳоят йигит ақлини йиғиб олиб, ўзига ўзи дебди:

— Отамнинг қанчадан–қанча ёлланма ишчиларининг нони ошиб–тошиб
ётибди, мен эса бу ерда очликдан ўляпман. 18 Энди отамнинг олдига бориб, унга
шундай деб айтаман: “Ота, мен Худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим. 19 Энди
сизнинг ўғлингиз деб аталишга лойиқ эмасман. Мени ёлланма ишчиларингиз
қаторига қабул қилинг.”

20 Йигит отаси олдига равона бўлибди. Йигит ҳали узоқда келар экан, отаси
уни кўриб, ўғлига раҳми келибди. У югуриб бориб, ўғлини қучоқлаб, ўпибди.

21 Кейин ўғли отасига айтибди:

— Ота, мен Худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғлингиз деб
аталишга лойиқ эмасман.

22 Отаси эса хизматкорларига буюрибди:

— Тез бўлинглар, энг нафис тўн келтириб елкасига ёпинглар, қўлига узук
тақинглар, оёқларига чориқ кийгизинглар. 23 Бўрдоқи бузоқни олиб чиқиб,

сўйинглар. Еб–ичайлик, хурсандчилик қилайлик. 24 Чунки бу ўғлим мен учун
ўлган эди, энди тирилди, йўқолган эди, энди топилди.
Шундай қилиб, хурсандчилик қила бошлабдилар. 25 Катта ўғил шу пайтда
далада экан. Қайтаётиб уйга яқинлашганда, қулоғига мусиқа ва ўйин–кулги
садолари эшитилибди. 26 Хизматкорлардан бирини чақириб:
— Нима гап? — деб сўрабди.
27 — Укангиз қайтиб келдилар. Отангиз уни соғ–саломат кўргани учун бўрдоқи
бузоқни сўйдилар, — деб жавоб берибди хизматкор.
28 Шунда катта ўғилнинг жаҳли чиқибди, ичкарига киришдан бош тортибди.
Отаси эса ташқарига чиқиб, ўғлига ўтиниб гапирибди. 29 Аммо у отасига шундай
жавоб берибди:
— Менга қаранг! Шунча йилдан бери сизга қулдай ишлаб келаман. Бирорта
гапингизни ерда қолдирмадим. Лекин дўстларим билан хурсандчилик қилишим
учун сиз менга битта улоқча ҳам бермадингиз. 30 Аммо мол–мулкингизни
фоҳишалар билан еб, йўқ қилган анави ўғлингиз қайтиб келганда, сиз бўрдоқи
бузоқни сўйдирдингиз!
31 Отаси унга шундай жавоб берибди:
— Ўғлим! Сен доимо мен билан биргасан. Менинг бор нарсам сеники. 32 Бугун
эса байрам қилиб, хурсанд бўлишимиз керак. Ахир, бу уканг биз учун ўлган эди,
энди тирилди, йўқолган эди, энди топилди.”

16–БОБ

Пишиқ иш бошқарувчи ҳақида масал

1 Исо шогирдларига шундай деди: “Бир бой одамнинг иш бошқарувчиси бор
экан. Бойга, иш бошқарувчингиз мол–мулкингизни совуриб юрибди деган хабар
етиб келди. 2 Бой одам иш бошқарувчисини чақириб, унга шундай дебди:
— Сен ҳақингда баъзи гапларни эшитдим. Бу нимаси?! Менга бошқарувинг
тўғрисида ҳисобот бер, энди ишларимни сен бошқармайсан.
3 Шунда иш бошқарувчи ўзига ўзи дебди:
— Хўжайиним мени ишдан бўшатяпти. Энди нима қиламан? Ер чопишга кучим
етмайди, садақа сўрашга уяламан. 4 Эҳа, топдим! Бир иш қиламан, шунда
бўшатилганимдан кейин одамлар уйларининг эшикларини мен учун очиб
беришади.
5 У вақтни бой бермай, хўжайиннинг қарздорларини бирма–бир чақирибди.
Биринчисидан сўрабди:
— Хўжайинимдан қанча қарзинг бор?
6 — Икки юз кўза зайтун мойи, — деб жавоб берибди у.
— Тилхатингни ол, тезда ўтириб юз кўза* деб ёз! — дебди унга иш
бошқарувчи. 7 Кейин бошқасидан ҳам сўрабди:
— Сенинг қанча қарзинг бор?
— Минг тоғора буғдой, — деб жавоб берибди у. Унга ҳам:
— Тилхатингни ол, саккиз юз тоғора* деб ёз! — дебди иш бошқарувчи.
8 Ҳа, айёр иш бошқарувчи ишини боплаб бажарди! Чиндан ҳам бу дунёнинг
одамлари замондошлари орасида нур аҳлига* қараганда ўз ишига анча
пишиқдирлар.
9 Мен сизларга айтаман: бу дунёнинг бойлигидан фойдаланиб дўст
орттиринглар, токи бу бойлик тугагач, Худо сизни абадий масканига қабул
қилсин. 10 Кичик ишда садоқатли бўлган одам катта ишда ҳам садоқатли бўлади.

Кичик ишда садоқатсиз бўлган эса катта ишда ҳам садоқатсиз бўлади. 11 Агар
сизга бу дунёнинг бойлигини ишониб топшириб бўлмаса, ким сизга ҳақиқий
бойликни ишониб топширади?! 12 Агар сизга бошқаларнинг нарсасини ишониб
топшириб бўлмаса, ўзингизга аталган нарсани сизга ким беради?!
13 Ҳеч қандай хизматкор икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон
кўриб, бошқасини яхши кўради, ёки бирига бағишланиб, бошқасини менсимайди.
Сизлар ҳам Худога, ҳам бойликка бирдек хизмат қила олмайсизлар."
14 Пулпараст фарзийлар буларни эшитиб, Исони мазах қилдилар. 15 Исо уларга
деди: "Сизлар одамлар олдида ўзингизни тақводор қилиб кўрсатасизлар, лекин
Худо юрагингизни билади. Одамзод кўкка кўтарган нарсалар Худонинг назарида
жирканчдир.
16 Яҳё ва ундан олдин келганлар Таврот ва Пайғамбарлар битикларини* эълон
қилганлар. Энди эса Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабар эълон қилинмоқда
ва ҳар бир одам бу Шоҳликка киришга ундалмоқда. 17 Бироқ Тавротдан бир
нуқтанинг йўқолишидан кўра, ер ва осмоннинг йўқолиши осонроқдир.
18 Ким ўз хотини билан ажрашиб бошқасига уйланса, зино қилган бўлади.
Шунингдек, эри билан ажрашган хотинга уйланган киши ҳам зино қилган бўлади.

Бой ва Лазар ҳақида масал

19 Бир бой одам бор экан. У қимматбаҳо либослар кийиб юрар, ҳар куни
дабдабали ҳаёт кечирар экан. 20 Бойнинг дарвозаси олдида бутун баданига яра
тошган Лазар исмли бир қашшоқ гадой ётар экан. 21 У бой дастурхонидан
тўкилган ушоқлар билан қорин тўйдиришни орзу қилар экан. Итлар келиб унинг
яраларини ялаб кетар экан.
22 Бир куни гадой ўлиб қолибди, фаришталар уни Иброҳимнинг ёнига олиб
кетибдилар. Кейин бой ҳам ўлиб, дафн қилинибди.
23 Жаҳаннамда азоб чекаётган бой бошини кўтариб, узоқда Иброҳимни ва
унинг ёнидаги Лазарни кўрибди. 24 Сўнг шундай деб фарёд қилибди:
— Эй Иброҳим ота! Менга раҳм қилиб Лазарни юборинг. У бармоғининг учини
сувга ботириб, тилимга томизсин. Бу аланга ичида азоб чекяпман!
25 Иброҳим унга шундай деб жавоб берибди:
— Унутма, ўғлим, сен ҳаётлигингда ҳамма яхши нарсаларингни олиб бўлдинг,
Лазар эса фақат ёмонлик кўрди. Энди у бу ерда тасалли топяпти, сен бўлсанг, азоб
чекяпсан. 26 Бундан ташқари, сен билан бизнинг орамизда тубсиз жарлик бор. Бу
ердан сиз томонга ўтмоқчи бўлганлар ўта олмайдилар ва у ердан биз томонга ҳам
ўтмайдилар.
27 Шунда бой айтибди:
— Ундай бўлса, эй ота, сиздан ўтиниб сўрайман, Лазарни отамнинг уйига
юборинг. 28 Менинг бешта укам бор. Улар ҳам бу азобли жойга келмасликлари
учун уларни огоҳлантириб қўйсин.
29 Иброҳим жавоб берибди:
— Уларда Мусонинг ва пайғамбарларнинг битиклари* бор–ку, ўшаларга қулоқ
солишсин.
30 Бой эса:
— Йўқ, Иброҳим ота, улар қулоқ солмайдилар. Аммо ўликлардан бири
уларнинг олдига борса, ўшанда тавба қиладилар, — дебди. 31 Иброҳим шундай
дебди:
— Агар Мусо ва бошқа пайғамбарларнинг сўзларига қулоқ солмаган бўлсалар,
ўликлардан бири тирилиб борса ҳам ишонмайдилар."

17–БОБ

Гуноҳ ҳақида

1 Исо Ўз шогирдларига яна деди: “Гуноҳга етаклайдиган васвасалар доимо
келади. Аммо васвасага сабабчи бўлган одамнинг ҳолига вой! 2 Бу кичикларнинг
биронтасини* гуноҳга бошлаганингиздан кўра, бўйнингизга тегирмон тошини
осиб, сизни денгизга ташлашгани ўзингиз учун яхшироқдир. 3 Эҳтиёт бўлинглар!
Агар биродарингиз гуноҳ қилса, унга танбеҳ беринг. Агар тавба қилса, уни
кечиринг. 4 Агар ўша одам бир куннинг ўзида сизга қарши етти марта гуноҳ
қилса–ю, етти марта қайтиб келиб, сизга: «Тавба қилдим», деса, уни кечириб
юборинг.”

Имон ва хизмат бурчи ҳақида

5 Ҳаворийлар Раббимиз Исога: “Имонимизга имон қўшинг”, — дедилар.
6 Раббимиз шундай жавоб берди: “Агар зиғирдай* имонингиз бўлиб, шу тут
дарахтига:
— Илдизинг билан қўпорилиб чиқ ва денгизга кўчиб илдиз от, — десангиз,
дарахт сизга бўйсунади.
7 Хизматкорингиз қўш ҳайдаб ёки пода боқиб даладан эндигина қайтиб
келганда, қай биringиз унга:
— Кел дарров, дастурхонга ўтир, — деб айтасиз? 8 Бунинг ўрнига ўша
хизматкорингизга:
— Кечки овқатимни тайёрла, еб–ичиб бўлгунимча, белингни боғлаб, менга
хизмат қил, кейин ўзинг еб–ичасан, — деб айтмайсизми?!
9 Хизматкор ўз вазифасини бажаргани учун унга ташаккурлар
билдирмайсиз–ку! 10 Шу сингари, сизлар ҳам ўзингизга буюрилган ҳамма ишни
бажарганингиздан сўнг:
— Биз бор–йўғи хизматкормиз, вазифамизни бажардик, холос, — деб
айтинглар.”

Исо ўн кишига шифо беради

11 Исо Самария билан Жалилани кесиб ўтиб, Қуддус томон йўл олди. 12 У бир
қишлоққа кираётганда, тери касаллигига* чалинган ўн киши Уни қаршилаб олди.
Улар узоқдан туриб, 13 фарёд қилдилар:
— Эй Исо! Устоз! Бизга раҳм қилинг!
14 Исо уларни кўриб:
— Боринглар, ўзларингни руҳонийларга кўрсатинглар*, — деди.
Улар йўлда кетаётганларида, тери касаллигидан покланиб қолдилар.
15 Улардан бири ўзининг шифо топганини кўриб, баланд овозда Худони
улуғлаб орқага қайтди. 16 Ўзини Исонинг оёқлари остига ташлаб, Унга
миннатдорчилик билдирди. Ўша одам Самариялик* эди.
17 Исо шогирдларига деди:
— Тери касаллигидан покланган ўн киши эмасмиди?! Қолган тўққизтаси
қани? 18 Худони улуғлаш учун шу бир бегона кишидан бошқа ҳеч ким қайтиб
келмадими?
19 Сўнг Исо тери касаллигидан покланган одамга деди:
— Ўрнингдан тургин–да, боравер. Сенга ишончинг шифо берди.

Худонинг Шоҳлиги

20 Баъзи фарзийлар Исодан:
— Худонинг Шоҳлиги қачон келади? — деб сўрадилар. Исо уларга шундай

жавоб берди:

— Худонинг Шоҳлиги кўзга кўринадиган шаклда келмайди. 21 Ҳеч ким: “Қара, Худонинг Шоҳлиги бу ерда”, ёки “Ана у ерда”, деб айтмайди. Чунки Худонинг Шоҳлиги сизларнинг орангиздадир.

22 Кейин Исо шогирдларига деди: “Шундай вақтлар келадики, сизлар Инсон Ўғлининг кунларидан биттасини кўришни орзу қиласизлар, аммо ўша кунни кўролмайсизлар. 23 Одамлар сизларга: «Ана, Масиҳ анави ерда» ёки «Мана, Масиҳ бу ерда», деб айтадилар. Аммо сизлар улар айтган ерга бормангланг, уларнинг ортидан эргашманглар. 24 Чунки Инсон Ўғли келганда, Уни ҳамма кўради. У осмонни бир четидан бошқа четигача ёритиб юборган чақмоқдай бўлади.
25 Лекин ундан аввал Инсон Ўғли кўп азоб чекиши ва бу насл томонидан рад қилиниши керак.

26 Нуҳ даврида* қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли келадиган даврда ҳам худди шундай бўлади. 27 Нуҳ кемага кирган кунгача инсонлар еб–ичдилар, уйландилар, турмушга чиқдилар. Тўфон келганда эса уларнинг ҳаммаси нобуд бўлди. 28 Лут* замонида ҳам худди шундай бўлган эди: одамлар еб–ичардилар, савдо–сотиқ қилардилар, экин экардилар, уй қурардилар. 29 Лекин Лут Садўм шаҳридан чиққан куниёқ осмондан олов ва олтингугурт ёғиб, ҳаммани нобуд қилди.

30 Инсон Ўғли зоҳир бўлган кунда ҳам худди шундай бўлади. 31 У кунда томнинг устида бўлган киши* уйдаги нарсаларни олиш учун пастга тушмасин. Далада бўлган одам ҳам қайтиб келмасин. 32 Лутнинг хотинига* нима бўлганини ёдингизда тутинглар. 33 Жонини сақламоқчи бўлган уни йўқотади. Жонини йўқотган эса уни асраб қолади. 34 Сизга шуни айтай: ўша кеча бир тўшакда икки киши ётган бўлса, бири олинади, бири қолдирилади. 35-36 Икки аёл бирга тегирмон тортаётган бўлса, бири олинади, бири қолдирилади*.”

37 Шогирдлар Исодан сўради:

— Ҳазрат, бу воқеалар қаерда юз беради?

— Калхатлар тўпланган жойда мурда бўлишини ҳамма билади, — деб жавоб берди Исо. — Бу воқеалар қаерда юз бериши ҳам сизларга шу сингари аён бўлади*.

18–БОБ

Бева аёл ва адолатсиз қози ҳақида масал

1 Шогирдлар доимо ва безмасдан ибодат қилсин деб, Исо уларга шундай бир масал айтиб берди: 2 “Бир шаҳарда Худодан ҳам қўрқмайдиган, одамдан ҳам уялмайдиган бир қози бор экан. 3 Ўша шаҳарда бир бева аёл ҳам яшар экан. У қозининг олдига тез–тез бориб туриб:

— Мени рақибимдан ҳимоя қилинг, — деб ўтинаркан. 4 Қози анча вақтгача унга ёрдам беришдан бош тортиб юрар экан. Охири у ўзи–ўзига шундай дебди:

— Мен Худодан қўрқмайман, одамлардан ҳам уялмайман. 5 Аммо бу бева хотин мени ҳолу жонимга қўймагани учун уни ҳимоя қила қолай. Бўлмаса, у келавериб мени безор қилади.”

6 Раббимиз Исо гапида давом этди: “Адолатсиз қозининг гапини эшитдингизми? 7 Шундай экан, наҳотки Худо туну кун илтижо қилаётган Ўз танлаганларини ҳимоя қилмаса?! Йўқ, Худо уларни куттириб қўймайди!
8 Сизларга айтаман: уларни зудлик билан ҳимоя қилади! Аммо Инсон Ўғли келганда, ер юзида имони бор одамларни топармикин?”

Фарзий ва солиқчи ҳақида масал

9 Ўзларининг солиҳлигига ишониб, бошқаларни менсимайдиган баъзи
одамларга Исо қуйидаги масални айтиб берди: 10 “Икки одам ибодат қилгани
Маъбадга киришибди. Уларнинг бири фарзий, иккинчиси солиқчи* экан.
11 Фарзий ўрнидан туриб, шундай ибодат қилибди:
— Худойим, Ўзингга шукур! Чунки мен бошқаларга ўхшаб ўғри, жиноятчи,
зинокор ёки манави солиқчидай эмасман. 12 Мен ҳафтада икки марта рўза
тутаман. Топганимнинг ўндан бирини ушр қилиб бераман.
13 Солиқчи бўлса узоқда туриб, ҳатто осмонга ҳам қарашга ботинолмай,
кўкрагига урганича:
— Ё Худо, мен гуноҳкорга раҳм қил! — деб илтижо қиларди.
14 Сизга айтаман: фарзий эмас, мана шу одам оқланиб уйига қайтди. Зотан,
ўзини ўзи юксалтирган одам камситилади, ўзини паст олган одам эса
юксалтирилади.”

Исо болаларни дуо қилади

15 Исо болаларимизга қўл теккизсин деб, одамлар Унинг олдига ҳатто
гўдакларни ҳам олиб келишарди. Шогирдлар буни кўриб, одамларни койидилар.
16 Исо эса болаларни ёнига чақириб, деди: “Болаларга йўл беринглар, Менинг
олдимга келишларига тўсқинлик қилманглар! Зеро, Худонинг Шоҳлиги
шундайларникидир. 17 Сизларга чинини айтайин: ким Худонинг Шоҳлигини бола
каби қабул қилмаса, унга ҳеч қачон киролмайди.”

Бойлик ва абадий ҳаёт ҳақида

18 Обрўли бир одам Исодан сўради:
— Валинеъмат Устоз! Абадий ҳаётга эга бўлиш учун нима қилишим керак?
19 Исо унга деди:
— Нега Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким
валинеъмат эмас–ку! 20 Сен амрларни биласан: “Зино қилма. Қотиллик қилма.
Ўғрилик қилма. Ёлғон гувоҳлик берма. Ота–онангни ҳурмат қилгин.”*
21 — Буларнинг ҳаммасига ёшлигимдан амал қилиб келаман, — деди бояги
бошлиқ. 22 Буни эшитиб, Исо деди:
— Сенга биргина нарса етишмайди: бор нарсангни сот, пулини камбағалларга
тарқат. Шунда самода хазинанг бўлади. Кейин келиб, Менга эргашгин.
23 Бошлиқ буни эшитиб, қаттиқ хафа бўлди, чунки у жуда бой эди. 24 Исо унинг
хафа бўлганини кўриб деди:
— Мол–дунёси бор одамларнинг Худо Шоҳлигига кириши нақадар қийин!
25 Бойнинг Худо Шоҳлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши
осонроқдир.
26 Буни эшитганлар эса:
— Ундай бўлса, ким нажот топа олар экан? — деб сўрашди. 27 Исо шундай
жавоб берди:
— Одамлар учун имконсиз бўлган нарсанинг Худо учун имкони бор.
28 Шунда Бутрус деди:
— Мана, биз уй–жойимизни ташлаб, Сизнинг орқангиздан эргашиб келдик.
29 Исо шогирдларига деди:
— Сизларга чинини айтайин, Худонинг Шоҳлиги учун уй–жойини ёки
хотинини ё ака–укаларини ёки ота–онасини ё бола–чақасини қолдирган одам*
30 бу дунёнинг ўзидаёқ бир неча баробар ортиғи билан олади, нариги дунёда эса
абадий ҳаётга эга бўлади.

Исо Ўз ўлими тўғрисида учинчи марта гапиради

31 Кейин Исо ўн икки шогирдини четга олиб, уларга деди: “Мана, биз Қуддусга
кетяпмиз. Пайғамбарларнинг Инсон Ўғли тўғрисида ёзган ҳамма башоратлари
бажо бўлади. 32 Уни ғайрияҳудийларга* тутиб берадилар. Уни масхаралаб ҳақорат
қиладилар. Унга тупурадилар. 33 Ғайрияҳудийлар Уни қамчилайдилар, кейин
ўлдирадилар. Аммо учинчи куни У тирилади.”
34 Шогирдлар эса бу сўзлардан ҳеч нарса тушунмадилар. Бу сўзларнинг
маъноси уларга қоронғи эди, Исонинг айтганларини улар англамадилар.

Исо кўр одамга шифо беради

35 Исо Ерихо шаҳрига кириб келаётганда, бир кўр одам йўл чеккасида садақа
сўраб ўтирар эди. 36 Олдидан катта бир оломон ўтиб кетаётганини эшитган ўша
кўр:
— Нима гап? — деб сўради.
37 — Носиралик Исо ўтиб кетяпти, — деб жавоб беришди унга. 38 Шунда кўр:
— Эй Довуд Ўғли* Исо, менга раҳм қилинг! — деб бақирди. 39 Олдинда
кетаётганлар эса:
— Жим бўл! — деб унга дўқ қилишди. У эса янада қаттиқроқ бақирди:
— Эй Довуд Ўғли! Менга раҳм қилинг!
40 Шунда Исо тўхтаб, кўрни ёнига олиб келишларини буюрди. Кўр келгач, Исо
ундан сўради:
41 — Мендан нима истайсан? Сен учун нима қилай?
— Ҳазрат, кўзларим кўрсин! — деди у. 42 Исо унга:
— Кўзларинг кўрсин, ишончинг сенга шифо берди, — деди.
43 Ўша заҳоти у кўра бошлади. Сўнг Худони улуғлаганча Исога эргашди. Буни
кўрган бутун халқ Худога ҳамду санолар айтди.

19–БОБ

Исо ва Заккай

1 Исо Ерихо шаҳрига кириб, шаҳар бўйлаб ўтаётган эди. 2 Бу шаҳарда Заккай
деган бир одам бор эди. У солиқчилар* бошлиғи бўлиб, бой эди. 3 Заккай “Исо ким
экан?” деб Уни кўришга уринарди, аммо одам кўплигидан кўра олмасди, чунки
унинг бўйи паст эди. 4 У олдинга югуриб, Исони кўриш учун шикамора–анжир
дарахти* устига чиқиб олди. Исо ўша ердан ўтиши керак эди.
5 Исо у ерга келганда, юқорига қараб, Заккайга деди:
— Заккай! Тезроқ пастга туш, Мен бугун сенинг уйингда меҳмон бўлишим
керак.
6 Заккай дарров пастга тушди, Исони қувонч билан уйига таклиф қилди. 7 Буни
кўрганларнинг ҳаммаси: “Исо бир гуноҳкор одамнинг уйига меҳмонга борди”, деб
норозилик билдиришди. 8 Заккай эса ўрнидан туриб, Раббимиз Исога деди:
— Ҳазрат, мен мол–мулкимнинг ярмини камбағалларга бераман. Бирон
кимсанинг нарсасини ноҳақ олган бўлсам, тўрт баробар қилиб қайтараман.
9 Исо унга шундай жавоб берди:
— Бугун бу хонадонга нажот келди, чунки бу одам ҳам Иброҳимнинг ўғлидир*.
10 Инсон Ўғли йўқолганни излаб топиш ва уни қутқариш учун келган.

Ўнта хизматкор ҳақида масал

11 Оломон Исонинг бу сўзларини тинглар экан, Исо гапини бир масал билан
давом эттирди. Чунки Исо Қуддусга яқинлашиб қолган эди, одамлар ҳам,

Худонинг Шоҳлиги ҳозир зоҳир бўлиши керак, деб ўйлардилар.
12 Исо шундай деди: “Бир зодагон одам узоқ мамлакатга кетмоқчи бўлибди. У
ерда шоҳлик тахтини эгаллаб, қайтиб келмоқчи эди. 13 Кетишдан олдин у
хизматкорларидан ўнтасини чақирибди–да, ҳар бирига бир тилладан* бериб,
шундай дебди:
— Мен қайтиб келгунимча, бу пулларни ишга солинглар.
14 Ҳолбуки, бу зодагоннинг ҳамюртлари уни ёмон кўришар экан. Унинг
орқасидан: «Бу одам бизга шоҳ бўлмасин, истамаймиз», деб айтиш учун элчилар
юборишибди.
15 Аммо зодагон шоҳлик тахтини эгаллаб, қайтиб келибди. Сўнг ўзи пул берган
хизматкорларини чақиртириб, ким қанча фойда олганини билмоқчи бўлибди.
16 Биринчиси келиб:
— Шоҳ ҳазратлари, сизнинг тиллангиз ўн тилла фойда олиб келди, — дебди.
17 Шоҳ унга:
— Баракалла! Сен яхши хизматкорсан! Кичик ишда ишончимни оқлаганинг
учун ўнта шаҳар устидан ҳоким бўласан, — дебди.
18 Иккинчиси келиб:
— Шоҳ ҳазратлари, сизнинг тиллангиз беш тилла фойда келтирди, — дебди.
19 Унга ҳам:
— Сен ҳам бешта шаҳарга ҳокимлик қиласан, — дебди.
20 Сўнг учинчи хизматкори келиб:
— Шоҳ ҳазратлари! — дебди, — мана сизнинг тиллангиз, мен уни рўмолчага
тугиб сақладим. 21 Мен сиздан қўрқдим, сиз қаттиққўл одамсиз. Сиз бермасдан
оласиз, экмасдан ўрасиз.
22 Шоҳ эса унга:
— Эй ёмон хизматкор! — деб дўқ урди, — мен сени ўз сўзларинг бўйича ҳукм
қиламан! Менинг қаттиққўллигимни ҳамда бермасдан олишимни, экмасдан
ўришимни билар экансан, 23 нега пулимни муомалага киритмадинг? Мен қайтиб
келганимдан кейин, пулимни фойдаси билан олган бўлардим.
24 Сўнг ёнида турганларга дебди:
— Унинг қўлидан тиллани олиб, ўн тилласи борга беринглар.
25 — Эй олампаноҳ, унинг ўн тилласи бор–ку! — дейишибди улар.
26 — Сизларга шуни айтай: кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ
бўлса, ҳатто бори ҳам тортиб олинади. 27 Энди менинг шоҳ бўлишимни истамаган
душманларимга келсак, уларни шу ерга олиб келиб, кўз олдимда қатл
қилинглар.”

Исо Қуддусга тантанали киради

28 Исо шу гапларни айтгандан кейин, йўлида давом этиб, Қуддусга кетди.
29 Зайтун тоғи* этагидаги Байтфагия билан Байтания қишлоқларига яқинлашгач,
У шогирдларидан иккитасига деди:
30 — Анави қишлоққа* боринглар. У ерга киришингиз биланоқ, боғлиқ турган
ва ҳеч қачон минилмаган хўтикни кўрасизлар. Ўша хўтикни ечиб, бу ерга олиб
келинглар. 31 Агар кимдир сизлардан: “Хўтикни нега ечяпсизлар?” — деб сўраб
қолса, “Бу хўтик Раббимиз Масиҳга керак”, — деб айтинглар.
32 Шогирдлар бориб, худди Исонинг айтганини топдилар. 33 Хўтикни
ечаётганларида унинг эгалари:
— Нега хўтикни ечяпсизлар? — деб сўрашди. 34 Шогирдлар:
— У Раббимиз Масиҳга керак, — дедилар.
35 Хўтикни Исонинг олдига келтиришди–да, устига тўнларини ташлаб, Исони

миндиришди. 36 Исо хўтикни миниб кетаётганда, одамлар тўнларини йўлга
пойандоз қилдилар. 37 Исо Зайтун тоғидан тушадиган жойга етиб келганда,
кўпдан–кўп шогирдлар кўрган барча мўъжизаларни эслаб шодландилар ва
баланд овозда Худога ҳамду санолар айтдилар:

38 “Эгамиз номидан келаётган Шоҳ барака топсин!*
Осмонда тинчлик, фалак тоқида шон–шарафлар бўлсин!”

39 Шунда оломон орасидан баъзи фарзийлар Исога:
— Устоз, шогирдларингизни жим қилинг! — дейишди. 40 Исо эса уларга деди:
— Сизларга шуни айтай: агар булар жим бўлса, тошлар чинқиради!

Исо Қуддус учун йиғлайди

41 Исо Қуддусга кирай деганда, шаҳарни кўриб, йиғлаб юборди: 42 “Тинчлик
учун нималар зарурлигини бугун сен билсайдинг! Аммо булар сенга қоронғи.
43 Бошингга шундай кунлар келади: душманларинг атрофингга тупроқ уядилар,
сени ўраб оладилар, ҳар томондан сиқувга оладилар. 44 Бағрингдаги
фарзандларингни қириб ташлайдилар. Сени шу қадар вайрон қиладиларки*,
шаҳрингда ҳатто тош устида турган тош қолмайди. Чунки Худо сени қутқаргани
келганди, аммо сен бу имкониятни қўлдан бой бердинг*.”

Исо савдогарларни Маъбаддан қувиб чиқаради

45 Исо Маъбадга кириб, ичкарида савдо–сотиқ қилаётганларни* қувиб чиқара
бошлади. 46 Уларга шундай деди:
— “Менинг уйим ибодат уйи бўлади”*, деб Муқаддас битикларда ёзилган–ку!
Сизлар эса Худонинг уйини қароқчилар уясига* айлантириб юборибсизлар!
47 Исо ҳар куни Маъбадда таълим берарди. Бош руҳонийлар, Таврот
тафсирчилари ва халқ йўлбошчилари эса Уни ҳалок қилиш пайига тушдилар.
48 Лекин бунинг чорасини топмадилар, чунки бутун халқ Исонинг сўзларини жону
дили билан тинглар эди.

20–БОБ

Исонинг ҳокимияти тўғрисида савол

1 Бир куни Исо Маъбадда халққа таълим бериб, Хушхабар айтаётган эди. Шу
пайт бош руҳонийлар, Таврот тафсирчилари ва йўлбошчилар келиб қолдилар.
2 Улар Исодан сўрадилар:
— Бизларга айтинг–чи, Сиз бу ишларни қандай ҳокимият билан қиляпсиз? Бу
ҳокимиятни Сизга ким берган?
3 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Мен ҳам сизларга бир савол берайин, Менга айтинглар: 4 Яҳё халқни сувга
чўмдириш ҳуқуқини Худодан олганмиди ёки инсонданми?
5 Улар эса ўзаро мулоҳаза юритдилар:
— Агар: “Худодан”, — десак, У: “Нега Яҳёга ишонмадингизлар?” — дейди.
6 Агар: “Инсондан”, — десак, бутун халқ бизни тошбўрон қилади, чунки халқ
Яҳёнинг пайғамбарлигига қатъий ишонади.
7 Шундай қилиб, улар:
— Қаерданлигини билмаймиз, — деб жавоб бердилар. 8 Исо уларга деди:
— Ундай бўлса, Мен ҳам бу ишларни қайси ҳокимият билан қилаётганимни
сизларга айтмайман.

Ёвуз боғбонлар ҳақида масал

9 Исо халққа қуйидаги масални айтди: “Бир одам узумзор барпо қилибди.
Узумзорни боғбонларга ижарага бериб, ўзи узоқ вақтга сафарга кетибди.
10 Йиғим–терим мавсумида, узумзор ҳосилидан тегишли улушини олиш учун ўша
одам хизматкорини боғбонлар олдига юборибди. Аммо боғбонлар хизматкорни
калтаклаб, қуп–қуруқ қайтариб юборишибди. 11 Кейин узумзор эгаси яна бошқа
бир хизматкорини юборибди. Боғбонлар бу хизматкорни ҳам уриб, шарманда
қилиб, қуп–қуруқ қайтариб юборишибди. 12 Яна учинчисини юборибди, уни ҳам
ярадор қилиб, қувиб чиқаришибди.
13 Кейин узумзор эгаси ўйлабди: «Энди нима қилсам экан? Энди суюкли
ўғлимни юбораман. Балки боғбонлар уни ҳурмат қилишар.»
14 Аммо боғбонлар унинг ўғлини кўришлари билан ўзаро муҳокамага тушиб:
— Бу меросхўр–ку! Уни ўлдирайлик, шунда мероси бизга қолади, —
дейишибди–да, 15 ўғлини узумзордан ташқарига чиқариб, ўлдиришибди.
Хўш, сизнингча, энди узумзор эгаси уларни нима қилар экан? 16 У келиб
боғбонларни ўлдиради, узумзорини эса бошқаларга ижарага беради.”
Буни эшитганлар:
— Худо кўрсатмасин! — деб юборишди. 17 Исо эса уларга тикилиб, шундай
деди:
— Ундай бўлса, Муқаддас битиклардаги:

“Бинокорлар рад этган тош
Бинонинг тамал тоши* бўлди”*,

деган сўзларнинг маъноси нима? 18 Кимки бу тамал тошига* йиқилса,
парча–парча бўлади. Тош кимнинг устига тушса, уни эзиб юборади.
19 Исо айтган бу масал тафсирчилар билан бош руҳонийларга қарши айтилган
эди. Улар буни англаб етдилар ва шу заҳоти Исони қўлга олмоқчи бўлдилар. Аммо
халқдан қўрқдилар.

Солиқ тўлаш ҳақида

20 Тафсирчилар билан бош руҳонийлар Исони кузатиб юрдилар. Унинг
ортидан ўзларини самимий кўрсатадиган одамларни қўйдилар. Улар эса Исони
тилидан илинтириб, ҳокимнинг қўлига ва ҳукмига бермоқчи эдилар. 21 Шунинг
учун улар Исога дедилар:
— Устоз, Сиз айтаётган сўзларингиз ва ўргатаётган таълимотингиз тўғри
эканини биламиз. Сиз ҳеч кимга юз–хотир қилмай Худонинг йўлини тўғри
ўргатасиз. 22 Айтинг–чи, Қайсарга* солиқ тўлашимиз* тўғрими ёки йўқми?
23 Исо уларнинг маккорлигини англаб, деди*:
24 — Қани, Менга бир динор* кўрсатинглар! Бу тангадаги сурат ва ёзув
кимники?
— Қайсарники, — деб жавоб берди улар. 25 Исо:
— Ундай бўлса, Қайсарнинг ҳақини Қайсарга, Худонинг ҳақини Худога
беринглар, — деди.
26 Улар халқнинг кўз ўнгида Исони тилидан илинтира олмадилар. Исонинг
жавобидан лол қолиб, жим бўлдилар.

Тирилиш ҳақида савол

27 Саддуқийлар* ўликларнинг тирилишини инкор этардилар. Уларнинг
баъзилари Исонинг олдига келиб, халқ олдида Унга шундай савол бердилар:
28 — Устоз! Мусо бизга шундай ёзиб қолдирган*: агар бировнинг акаси

фарзанд кўрмай ўтиб кетса, укаси акасининг хотинига уйланиб, акаси учун фарзандни дунёга келтирсин. Туғилган бола марҳум акасиники ҳисобланади.
29 Хўш, етти ака–ука бўлган экан. Биринчиси уйланибди, аммо фарзанд кўрмай
оламдан ўтибди. 30 Сўнг иккинчиси ўша хотинни олиб, бола кўрмай ўлибди.
31 Учинчиси ҳам худди шу кўйга тушибди. Хуллас, еттала ака–уканинг ҳаммаси
ўша хотинга уйланиб, фарзандсиз ўтиб кетибди. 32 Охирида хотин ҳам қазо
қилибди. 33 Айтинг–чи, Худо одамларни тирилтирганда ўша аёл қайси бирининг
хотини ҳисобланади? Еттови ҳам унга уйланган эдилар–ку!

34 Исо уларга шундай жавоб берди:

— Бу дунёда одамлар уйланадилар ва эрга тегадилар. 35 Аммо ўликдан
тирилишга ва келажакдаги дунёда яшашга сазовор бўлганлар у дунёда
уйланмайдилар, эрга ҳам тегмайдилар. 36 Улар бамисоли фаришталардай
бўлганлари учун ҳеч қачон ўлмайдилар. Улар Худонинг фарзандларидир, чунки
тирилгандирлар. 37 Ҳатто Мусонинг ўзи ҳам ўликларнинг тирилишини
таъкидлаб, ёнаётган бута тўғрисидаги воқеада* Эгамизни “Иброҳим, Исҳоқ ва
Ёқубнинг Худоси” деб атаган. 38 Зотан, Худо ўликларнинг эмас, тирикларнинг
Худосидир. Худо учун ҳамма тирикдир.

39-40 Тафсирчиларнинг баъзилари Исога яна савол беришга журъат
этмаганлари учун:

— Устоз, яхши гапирдингиз, — дедилар.

Масиҳ кимнинг ўғли?

Исо тафсирчиларга деди:

41 — Нега Масиҳни Довуднинг Ўғли* дейдилар? 42-43 Мана, Довуднинг ўзи Забур
китобида шундай деган:

> “Эгамиз айтмоқда Раббимга:
> Душманларингни оёқларинг остига пойандоз қилмагунимча,
> Сен Менинг ўнг томонимда* ўтиргин.”*

44 Демак, Довуд Масиҳни Раббим деб атаган бўлса, қандай қилиб Масиҳ Довуднинг
Ўғли бўлади?!

Исо сохта диндорлик тўғрисида огоҳлантиради

45 Бутун халқ Исони тинглаб турар экан, У шогирдларига деди:

46 — Таврот тафсирчиларидан эҳтиёт бўлинглар! Улар узун кийимлар
кийишни, бозорларда юрганларида уларга салом беришларини яхши кўрадилар.
Синагогаларда яхши жойларда ўтиришни, зиёфатларда тўрда ўтиришни
ёқтирадилар. 47 Аммо бева аёлларнинг уй–жойларини тортиб оладилар, хўжа
кўрсинга узоқ дуо ўқийдилар. Бундай одамлар ниҳоятда қаттиқ жазога мубтало
бўладилар.

21–БОБ

Бева аёлнинг хайр–эҳсони

1 Исо Маъбаднинг эҳсон қутисига назар солар экан, эҳсон ташлаб турган бой
одамларни кўрди. 2 Шунингдек, икки чақа* ташлаган бир камбағал бева аёлни ҳам
кўрди. 3 Шунда Исо деди:

— Сизларга чинини айтайин, бу камбағал бева ҳаммадан кўпроқ эҳсон берди.
4 Чунки бойларнинг ҳаммаси ўзларининг ортиқча пулларидан эҳсон қилдилар.
Аммо бу аёл камбағаллигига қарамасдан, ўзининг бор–йўғини ташлади.

Исо Маъбаднинг вайрон бўлиши тўғрисида башорат қилади

5 Шогирдлардан баъзилари Маъбадни томоша қилиб, унинг гўзал тошлар ва
Худога назр қилинган инъомлар билан безатилгани тўғрисида гаплашаётган
эдилар. Исо эса деди:
6 — Шундай кунлар келадики, сиз кўриб турганларнинг ҳаммаси вайрон
бўлади*. Бу ерда тош устида турган биронта тош қолмайди.
7 Улар Исодан сўрадилар:
— Устоз, бу ҳодисалар қачон юз беради? Тез орада юз беришини нимадан
билсак бўлади?
8 Исо деди:
— Эҳтиёт бўлинглар, йўлдан озманглар, чунки кўп кишилар ўзларини Менинг
номим билан атаб: “Мен Ўшаман”, “Вақт яқин”, — деб айтади. Уларга
эргашманглар. 9 Сизлар уруш ва исёнлар тўғрисида хабарларни эшитганингизда,
ваҳимага тушманглар, чунки бу ҳодисалар биринчи бўлиб содир бўлиши керак.
Аммо бу ҳали сўнгги ниҳоя эмас.
10 Кейин Исо уларга деди: “Халқ халққа қарши, шоҳлик шоҳликка қарши
кўтарилади. 11 Айрим жойларда шиддатли зилзилалар, қаҳатчиликлар, ўлатлар
бўлади. Осмонда ваҳимали ҳодисалар, буюк аломатлар юз беради.
12 Лекин буларнинг ҳаммасидан олдин сизларни ҳибсга оладилар, қувғин
қиладилар, синагогаларга топшириб, қамоқларга ташлайдилар. Менинг номим
туфайли сизларни шоҳлар ва ҳокимлар олдига олиб борадилар. 13 Булар
Хушхабарни айтишингиз учун имконият бўлади. 14 Ўзимизни қандай ҳимоя
қиламиз, деб олдиндан қайғурмасликка қарор қилинглар. 15 Мен Ўзим сизларга
сўз, донолик ато қиламанки, рақибларингиздан бирортаси айтганларингизни рад
қила олмайдилар ёки эътироз билдира олмайдилар. 16 Сизларни ҳатто
ота–онангиз, ака–укаларингиз, қариндош–уруғларингиз, дўстларингиз тутиб
беришади. Улар баъзиларингизни ўлдиришади. 17 Менинг номим туфайли ҳамма
сизлардан нафратланади. 18 Бироқ бошингиздан бир тола соч ҳам тушмайди.
19 Қатъиятли бўлинглар, шунда ҳаётга эришасиз.

Қуддуснинг вайрон бўлиши ҳақида башорат

20 Қуддусни душман лашкарлари ўраб олганини кўрганингизда, билингки,
шаҳар яқин орада вайрон қилинади. 21 Шунда Яҳудияда бўлганлар тоғларга
қочсин, шаҳарнинг ичида бўлганлар ташқарига чиқсин, далаларда бўлганлар
шаҳарга кирмасин. 22 Чунки Худонинг қасос оладиган кунлари келди. Ўша
кунларда ҳамма башоратлар амалга ошади. 23 У кунларда ҳомиладор ва эмизикли
аёлларнинг ҳолига вой! Чунки ер юзини катта мусибат чулғаб олади, бу халқнинг
бошига Худонинг ғазаби ёғилади. 24 Баъзилари қиличдан ўтказилади, бошқалари
барча юртларга асир қилиб олиб кетилади. Ғайрияҳудийларнинг давру даврони
тугамагунча, улар Қуддусни оёқ ости қиладилар.

Инсон Ўғлининг келиши ҳақида

25 Қуёш, ой ва юлдузларда аломатлар пайдо бўлади. Денгизлар ва тўлқинлар
шовқинидан халқлар саросимага тушиб, изтироб чекади. 26 Одамлар дунёга
келадиган фалокатларни кўриб, қўрқувдан ҳушидан кетадилар. Чунки ўшанда
самовий кучлар ларзага келади. 27 Шунда ҳамма одам Инсон Ўғлини кўради.
Инсон Ўғли қудратга ва буюк улуғворликка бурканиб, булутларда келади*.
28 Бу ҳодисалар юз бера бошлаганда, туриб, бошингизни баланд кўтаринг.
Чунки қутқариладиган вақтингиз яқинлашмоқда.”

Ҳушёр бўлиш ҳақида

29 Исо шогирдларига бир масални айтиб берди: “Анжир дарахтига ва бошқа
ҳамма дарахтларга қаранглар. 30 Дарахтлар барг ёзаётганини кўрганингизда, ёз
яқинлашиб қолганини биласиз. 31 Шу сингари, мана бу воқеалар содир бўлганда,
билингки, Худонинг Шоҳлиги яқин. 32 Сизларга чинини айтайин, бу насл
ўтмасданоқ, буларнинг ҳаммаси содир бўлади. 33 Ер у осмон йўқ бўлиб кетади,
аммо Менинг сўзларим кучда қолади.

34 Ҳушёр бўлинглар! Кайфу сафога, бу ҳаётнинг ташвишларига берилиб
кетманглар. Тағин ўша кун келиб қолганда сизлар тўсатдан тўрга тушган
одамларга ўхшаб қолманглар! 35 Чунки у кун бутун ер юзида яшовчиларнинг
бошига тушади. 36 Доим ҳушёр бўлинглар. Юз берадиган бу ҳамма мусибатлардан
қутула олишингиз ва Инсон Ўғли олдида муносиб тура олишингиз учун доимо
ибодатда бўлинглар.”

37 Ҳар куни Исо Маъбадда таълим берарди, кечалари эса шаҳардан чиқиб,
тунни Зайтун тоғида* ўтказар эди. 38 Халқ саҳардан Исони тинглагани Маъбадга
келарди.

22–БОБ

Исони ўлдириш режаси

1 Хамиртурушсиз нон байрамига яқин қолган эди. Бу байрам Фисиҳ* деб
аталарди. 2 Бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари Исони яширинча ўлдириш
учун фурсат пойлаб юрган эдилар, чунки улар халқдан қўрқардилар. 3 Шунда ўн
икки ҳаворийдан бири — Яҳудо Ишқариётнинг ичига шайтон кириб олди. 4 Яҳудо
бош руҳонийларнинг ва Маъбад миршаббошиларининг* олдига бориб, Исони
қандай тутиб бериш тўғрисида улар билан гаплашди. 5 Улар жуда хурсанд бўлиб,
Яҳудога пул берадиган бўлдилар. 6 Яҳудо рози бўлди ва Исони халқдан яширинча
уларнинг қўлига тутиб бериш учун қулай фурсатни кута бошлади.

Қутлуғ кеча ва Исога хиёнат

7 Хамиртурушсиз нон байрами келди. Шу куни Фисиҳ қўзиси қурбонлик
қилинар эди. 8 Исо Бутрус билан Юҳаннони юбораётиб шундай деди:

— Боринглар, биз учун Фисиҳ таомини тайёрланглар.

9 Улар Исодан сўрадилар:

— Байрам таомини қаерда тайёрлашимизни хоҳлайсиз?

10 Исо уларга деди:

— Қуддусга киришларингиз биланоқ, кўзада сув кўтариб кетаётган бир
одамни учратасизлар. Ўша одамга эргашиб, у кирадиган уйга киринглар.
11 Хонадон эгасига шундай деб айтинглар: “Устозимиз шогирдлари билан Фисиҳ
таомини емоқчилар. У сиздан: «Бизга тайёрлаб қўйилган меҳмонхона қаерда?»
деб сўраб юбордилар.” 12 Уй эгаси сизларга жиҳозланган катта болохонани
кўрсатади. У ерда биз учун ҳозирлик кўринглар.

13 Шогирдлар кетдилар. Ҳамма нарса худди Исо айтгандай рўй берди. Улар
Фисиҳ таомини тайёрладилар.

14 Зиёфат вақти бўлди. Исо билан ҳаворийлари дастурхон атрофига
ёнбошлашди. 15 Исо уларга деди:

— Мен азоб чекмасимдан аввал бу Фисиҳ таомини сизлар билан бирга ейишни
жуда ҳам орзу қилгандим. 16 Сизларга айтай: биз Худонинг Шоҳлигида ҳақиқий
Фисиҳ таомини емагунимизча, Мен бу таомдан бошқа емайман.

17 Кейин Исо шароб қуйилган косани олиб, шукрона дуосини айтиб деди:

— Буни олинглар, ўзаро бўлишинглар. 18 Сизларга айтай: Худонинг Шоҳлиги
келмагунча, Мен узум неъматидан бошқа ичмайман.
19 Сўнгра нонни олди, шукрона дуосини айтиб синдирди ва шогирдларига
бериб деди:
— Бу нон Менинг танамни билдиради. Танам сизлар учун фидо бўлади.
Биргаликда нон синдириб еганингизда Мени хотирланглар.
20 Овқатланиб бўлганларидан кейин, Исо яна шароб қуйилган косани олиб,
шундай деди:
— Бу коса Худонинг янги аҳдини* билдиради. Бу аҳд сизлар учун тўкиладиган
қоним эвазига кучга киради. 21 Ана, қаранг! Менга хиёнат қиладиган одам Мен
билан бир дастурхонда ўтирибди. 22 Ҳа, Худо режа қилгандай, Инсон Ўғли жон
беради. Аммо Инсон Ўғлига хиёнат қилган одамнинг ҳолига вой!
23 Шунда улар бир–бирларидан:
— Орамизда бундай ишга қўл урадиган ким экан? — деб сўрай бошладилар.

Энг катта ким?

24 Шогирдлар орасида: “Қайси биримиз энг катта ҳисобланишимиз керак?”
деган баҳс бўлди.
25 Исо уларга деди: “Бутпарастларнинг ҳукмдорлари халқларига ўз ҳукмини
ўтказадилар. Эл бошлиқлари ўзларини олийҳиммат деб атайдилар. 26 Сизлар эса
бундай бўлманглар. Аксинча, орангизда ким катта бўлса, ўзини энг кичикдай
тутсин. Ким бошлиқ бўлса, хизматкордай бўлсин. 27 Хўш, ким катта? Дастурхон
атрофида ўтирганми ёки унга хизмат қилаётганми? Дастурхон атрофида ўтирган
эмасми?! Мен эса орангизда хизматкордайман.
28 Оғир кунларимда ёнимда бўлдингизлар. 29 Шунинг учун осмондаги Отам
Менга инъом қилган Шоҳликни Мен сизларга инъом қиляпман. 30 Сизлар Менинг
Шоҳлигимда дастурхоним атрофида ўтириб еб–ичасизлар, Исроилнинг ўн икки
қабиласига ҳукмронлик қиласизлар.”

Исо Бутруснинг тониши тўғрисида башорат қилади

31 Исо деди:
— Шимўн*, Шимўн! Мана, буғдойни ғалвирдан ўтказишгандай, шайтон
сизларни синовдан ўтказишга изн талаб қилди*. 32 Бироқ имондан тоймасин деб,
Мен сен учун ибодат қилдим. Сен тавба қилиб, Менга қайтганингдан кейин,
биродарларингни имонда мустаҳкамла.
33 Шимўн Исога жавобан деди:
— Ҳазрат! Мен Сиз билан зиндонга ҳам, ўлимга ҳам боришга тайёрман!
34 Исо эса деди:
— Эҳ Бутрус! Сенга шуни айтай: бугун хўроз қичқирмасдан олдин сен уч марта
Мени танимаслигингни айтасан.

Ҳамён, тўрва, қилич

35 Исо шогирдларига деди:
— Мен сизларни ҳамёнсиз, тўрвасиз, чориқсиз юборганимда*, бирон нарсада
камчилигингиз бормиди?
— Ҳеч нарсада! — жавоб берди улар. 36 Исо уларга шундай деди:
— Энди эса кимнинг ҳамёни ёки тўрваси бўлса, олсин. Кимда қилич йўқ бўлса,
чопонини сотиб, қилич* харид қилсин. 37 Сизларга айтай: “У гуноҳкорлар
қаторида саналди”*, — деб Мен ҳақимда айтилган башорат бажо бўлиши керак.
Ҳа, Мен ҳақимда ёзилган бу сўз бажо бўляпти.
38 Шогирдлар:

— Ҳазрат, қаранг, мана бу ерда иккита қилич бор экан! — дедилар.
— Бўлди, бас қилинглар! — деди Исо.

Исо Зайтун тоғида ибодат қилади

39 Исо шаҳардан чиқиб, одатдагидай Зайтун тоғига* йўл олди. Шогирдлари ҳам
Унинг орқасидан кетдилар. 40 Исо ўша жойга етиб келгандан кейин,
шогирдларига:
— Васвасага тушиб қолмайлик, деб ибодат қилинглар*, — деди. 41 Ўзи улардан
бир тош отар масофача нари борди–да, тиз чўкиб ибодат қилди:
42 — Эй Ота! Қанийди, бу азоб косасини* Мендан узоқлаштирсанг! Аммо
Менинг хоҳишим эмас, Сенинг хоҳишинг бажо бўлсин.
43 Шу орада осмондан бир фаришта Исога зоҳир бўлиб, Унга куч ато қилди.
44 Исо оғир изтироб ичида жон–жаҳди билан ибодат қилди. Ундан оққан тер эса
ерга томаётган қон томчиларига ўхшар эди*.
45 Исо ибодатни тугатиб, шогирдлари ёнига келди. Уларнинг ухлаб ётганини
кўрди. Шогирдлар қайғудан ҳолдан тойган эдилар. 46 Исо уларга:
— Нега ухлаб ётибсизлар? Қани, туринглар, васвасага тушиб қолмайлик, деб
ибодат қилинглар, — деди.

Исо ҳибсга олинади

47 Исо ҳали гапини тугатмаган ҳам эдики, оломон келиб қолди. Оломонни ўн
икки шогирддан бири — Яҳудо бошлаб келганди. Яҳудо Исони ўпмоқчи бўлиб,
Унга яқинлашди*. 48 Исо эса унга деди:
— Яҳудо, сен Инсон Ўғлига биргина ўпич билан хиёнат қиляпсанми?!
49 Исонинг ёнидагилар воқеа қаёққа йўналаётганини пайқаб:
— Ҳазрат, қилични ишга солайликми? — дейишди. 50 Улардан бири эса олий
руҳонийнинг хизматкорига бир уриб, унинг ўнг қулоғини кесиб ташлади.
51 Шунда Исо:
— Қўйинглар, бас! — деди–да, хизматкорнинг қулоғига қўл теккизиб унга
шифо берди. 52 Сўнг Уни қўлга олишга келган бош руҳонийлар, Маъбад
миршаббошилари* ва йўлбошчиларга деди:
— Мен қароқчимидим, Мени олиб кетгани қиличу таёқлар билан
келибсизлар?! 53 Сизлар билан ҳар куни Маъбадда бирга эдим, Менга қўл
теккизмадингизлар. Аммо энди замон сизники, зулмат ҳукмронлиги келди!

Бутрус Исодан тонади

54 Исони ушлаб, олий руҳонийнинг* уйига олиб кетдилар. Бутрус эса масофа
сақлаб уларга эргашиб борди. 55 Олий руҳонийнинг ҳовлиси ўртасида гулхан
ёқишди. Бутрус гулхан атрофида ўтирган одамларнинг ёнига бориб ўтирди. 56 Бир
чўри қиз гулхан ёнида ўтирган Бутрусни кўрди. У Бутрусга тикилиб қаради–да:
— Бу одам ҳам У билан бирга эди! — деди.
57 Лекин Бутрус инкор этиб:
— Эй синглим, мен Уни танимайман! — деди.
58 Бир оздан кейин бошқа бир одам Бутрусни кўриб:
— Сен ҳам улардан бирисан–ку! — деди. Лекин Бутрус унга ҳам:
— Йўғ–э, мен улардан эмасман! — деди.
59 Орадан бир соатлар ўтгандан кейин яна кимдир:
— Ҳақиқатан ҳам, манави одам У билан бирга бўлган. Ахир, у ҳам
Жалилалик–ку!* — деб туриб олди.
60 — Менга қара, нима тўғрисида гапиряпсан, тушунмаяпман, — деб эътироз
билдирди Бутрус.

У гапини тугатмасданоқ, хўроз қичқирди. 61 Раббимиз Исо ўгирилиб, Бутрусга қаради. Шунда Бутрус Раббимизнинг: “Бугун хўроз қичқирмасдан олдин, сен Мендан уч марта тонасан” деган гапини эслади. 62 Бутрус ҳовлидан чиқиб, аччиқ–аччиқ йиғлади.

63 Исони қўриқлаган одамлар Уни ҳақоратлаб калтакладилар. 64 Улар Исонинг кўзларини боғлаб қўйиб:

— Пайғамбар, қани, топ–чи, Сени ким урди экан? — дердилар. 65 Исога яна кўп ҳақоратли сўзлар айтдилар.

Исо Олий кенгаш олдида

66 Тонг отганда Олий кенгаш* аъзолари — бош руҳонийлар ва тафсирчилар йиғилдилар. Исони уларнинг олдига олиб келишди.

67 — Бизга айт–чи, Сен Масиҳмисан? — деб сўрадилар. Исо шундай жавоб берди:

— Агар сизларга айтсам, Менга ишонмайсизлар. 68 Агар сизларга савол берсам, жавоб бермайсизлар*. 69 Бироқ бундан буён Инсон Ўғли Қодир Худонинг ўнг томонида ўтиради*.

70 Шунда ҳамма бирданига:

— Бундан чиқди, Сен Худонинг Ўғли* экансан–да? — деб сўрадилар.

— Ўзларингиз Менинг кимлигимни айтдингизлар, — деди уларга Исо.

71 Шунда улар:

— Бошқа гувоҳга эҳтиёж қолмади! Ўз оғзидан ўзимиз эшитдик, ахир! — дейишди.

23–БОБ

Исо Пилат ҳузурида

1 Бутун Кенгаш аъзолари туриб, Исони ҳоким Пилатнинг* олдига келтирдилар. 2 Улар Исони айблай бошладилар:

— Биз бу Одамни халқимизни йўлдан оздираётганда ушлаб олдик. У, Қайсарга* солиқ тўламанглар, Мен Масиҳман, яъни шоҳман, деб айтиб юрибди.

3 Пилат Исодан:

— Сен яҳудийларнинг шоҳимисан? — деб сўради.

— Сиз шунақа дейсиз, — деб жавоб берди Исо.

4 Шунда Пилат бош руҳонийларга ва оломонга:

— Мен бу Одамни айблашга ҳеч қандай сабаб кўрмаяпман, — деди. 5 Аммо улар қаттиқ туриб олдилар:

— У Ўз таълимоти билан бутун Яҳудиядаги* одамларни қўзғолонга даъват қиляпти. У бу қилмишини Жалилада бошлаганди, энди шу ерга ҳам етиб келибди.

6 Пилат бу гапни эшитиб:

— Бу Одам Жалилаликми? — деб сўради. 7 Исо Ҳироднинг* қўли остидаги ҳудуддан эканини Пилат билгач, Уни Ҳирод ҳузурига жўнатди. Ҳирод ўша пайтда Қуддусда эди.

Исо Ҳирод олдида

8 Ҳирод Исони кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетди. У анчадан буён Исони кўрмоқчи бўлиб юрган эди. Чунки Ҳирод Исо ҳақида эшитган, Унинг бирон мўъжизасини кўрсам деган ниятда эди. 9 Ҳирод Исога кўп саволлар берди, аммо Исо ҳеч бирига жавоб қайтармади. 10 Шу ерда турган бош руҳонийлар билан Таврот тафсирчилари эса Уни шиддат билан қораладилар. 11 Шундан кейин

Ҳироднинг ўзи ҳам аскарлари билан бирга Исони камситиб масхаралади. Унга шоҳона чопон кийдириб, Пилатнинг олдига қайтариб юборди. 12 Бир–бирига душман бўлган Ҳирод билан Пилат ўша куни дўстлашдилар.

Исо ўлимга ҳукм қилинади

13 Пилат бош руҳонийлар, йўлбошчилар ва халқни чақириб, 14 уларга деди:

— Сизлар бу Одамни халқни йўлдан оздиришда айблаб, олдимга олиб келдингизлар. Мен Уни сизларнинг олдингизда текшириб кўрдим. Аммо сизлар Унга қўйган айблардан биронтасини мен топмадим. 15 Ҳирод ҳам ҳеч нима тополмагани учун Уни бизнинг олдимизга қайтариб юборди. Хуллас, бу Одам ўлимга лойиқ бирон иш қилмаган. 16-17 Шунинг учун мен Уни калтаклаб, озод қилиб юбораман*.

18 Халойиқ эса бир оғиздан:

— Унга ўлим! Бизга Бараббасни озод қилинг! — деб бақира кетишди.

19 Бараббас шаҳарда юз берган исёнда* иштирок этиб, қотиллик қилган, шунинг учун зиндонга ташланган эди. 20 Пилат Исони озод қилмоқчи бўлиб, оломонга яна мурожаат этди. 21 Аммо оломон:

— Хочга михлансин! Хочга михлансин! — деб шовқин кўтарди. 22 Пилат учинчи марта уларга айтди:

— Нимага? У нима ёмонлик қилди, ахир?! Мен Унда ўлимга лойиқ бирор айб топганим йўқ. Шундай экан, мен Уни калтаклаб, озод қилиб юбораман!

23 Бироқ оломон овози борича:

— Исо хочга михлансин! — деб бақириб, талаб қилаверди. Ниҳоят уларнинг бақир–чақирлари устун келди. 24 Пилат уларнинг талабини бажаришга қарор қилди. 25 Оломоннинг истагига кўра, исёнда иштирок этиб, қотиллик қилгани учун зиндонга ташланган одамни Пилат озод қилди, Исони эса оломоннинг ихтиёрига топширди.

Исо хочга михланади

26 Рим аскарлари Исони олиб кетдилар. Улар кетаётганларида, Шимўн деган бир одамни учратиб қолдилар. Шимўн Киринеялик* бўлиб, даладан шаҳарга қайтиб келаётган экан. Аскарлар унинг елкасига хочни* ортиб, Исонинг кетидан боришга мажбур қилдилар. 27 Бир талай оломон Исонинг ортидан эргашиб келаётган эди. Уларнинг орасида аёллар ҳам бор эди. Аёллар кўксига уриб, Исо учун фарёд қилардилар.

28 Исо аёлларга қараб деди:

— Мен учун йиғламанглар, эй Қуддус қизлари! Ўзларингиз учун, фарзандларингиз учун йиғланглар. 29 Шундай кунлар келадики: “Туғмаган, бола эмизмаган, бепушт аёллар бахтлидир”, деб айтишади. 30 Ўшанда одамлар тоғларга: “Устимизга қуланглар!” дея бақиришади. Қирларга: “Бизни босиб қолинглар!” деб ёлворишади*. 31 Кўкариб турган дарахтга шундай қилсалар, қуриган дарахтни нима қилар эканлар?!

32 Исо билан бирга икки жиноятчини ҳам қатл қилишга олиб кетаётган эдилар. 33 Бош суяги деган жойга етиб келганларидан сўнг, аскарлар Исони хочга михладилар. Исо билан бирга иккита жиноятчини ҳам михладилар, уларнинг бири Исонинг ўнг томонида, бири чап томонида эди. 34 Исо:

— Эй Ота! Уларни кечиргин, улар нима қилаётганини билмайдилар, — деди*.

Аскарлар қуръа ташлаб, Исонинг кийимларини бўлишиб олдилар*. 35 Оломон қараб турарди. Яҳудий йўлбошчилари эса Исонинг устидан кулиб, шундай дердилар:

— У бошқаларни қутқарарди. Агар У Худо танлаган Масиҳ бўлса, энди Ўзини қутқариб кўрсин–чи! — дейишарди.
36 Аскарлар ҳам Исони масхараладилар. Улар Исога арзон шароб* ичиргани
яқинлашиб, 37 шундай дедилар:
— Агар Сен яҳудийларнинг Шоҳи бўлсанг, Ўзингни Ўзинг қутқар–чи!
38 Исонинг бош томонида: “Бу яҳудийларнинг Шоҳидир” деган ёзув бор эди*.
39 Хочга михланган жиноятчилардан бири Исони ҳақоратлаб деди:
— Масиҳ экансан, Ўзингни ҳам, бизни ҳам қутқармайсанми?!
40 Иккинчи жиноятчи эса бу шеригига таъна қилди:
— Худодан қўрқмайсанми?! Ўзинг ҳам шу Одам каби жазога маҳкум
бўлгансан–ку! 41 Биз қилмишимизга яраша адолатли жазо олдик. У эса ҳеч қандай
ёмонлик қилгани йўқ.
42 Кейин деди:
— Эй Исо*, тахтингизга ўтириб, Шоҳ бўлганингизда мени эсланг!
43 Исо унга деди:
— Сенга чинини айтайин, бугуноқ сен Мен билан бирга жаннатда бўласан.

Исонинг ўлими

44-45 Туш пайти эди. Кун қорайди, соат учга* қадар ҳамма ёқ зулматга чўмди.
Маъбаддаги парда* ўртасидан йиртилди. 46 Исо баланд овоз билан фарёд қилди:
— Ота! Руҳимни Сенинг қўлларингга топширяпман*.
Шундай деди–да, жон берди. 47 Воқеани кўриб турган Рим юзбошиси Худони
улуғлаб:
— Ҳақиқатан ҳам, бу Одам солиҳ экан, — деди.
48 Томошага тўпланган оломон содир бўлган воқеаларни кўриб, қайғудан
кўксига ура–ура уйларига қайтиб кетдилар. 49 Исони билганлар эса, шу жумладан,
Жалиладан Унга эргашиб келган аёллар юз берган воқеаларни узоқдан кузатиб
турардилар.

Исо дафн этилади

50 Олий кенгаш аъзолари орасида Юсуф исмли яхши ва солиҳ бир киши бор
эди. 51 У Яҳудиядаги Ариматея шаҳридан* бўлиб, Худонинг Шоҳлигини
интизорлик билан кутарди. Юсуф Кенгаш аъзоларининг бу қарорини ва қилган
ишини маъқулламаган эди. 52 У Пилатнинг олдига бориб, Исонинг жасадини
сўради. 53 Юсуф жасадни хочдан тушириб олиб, зиғир матоси билан кафанлади.
Кейин жасадни қояга ўйилган қабрга қўйди. Бу қабрга ҳали ҳеч ким қўйилмаган
эди. 54 Бу кун Шаббат арафаси бўлиб, Шаббат куни бошланишига оз қолганди*.
55 Жалиладан Исо билан бирга келган аёллар Юсуфнинг орқасидан эргашиб
бордилар. Улар қабрни ва Исонинг жасади қандай дафн қилинганини кўрдилар.
56 Улар уйларига қайтиб бориб, жасадга суртиш учун хушбўй мойлар ва атирлар
тайёрладилар*. Шаббат куни эса, қонунда буюрилгандай, дам олдилар.

24–БОБ

Исо Масиҳ тирилади

1 Якшанба куни эрта тонгда аёллар тайёрлаб қўйган хушбўй мойларини* олиб,
қабрга келдилар*. 2 Қабр оғзидаги тош ағдарилиб ётганини кўрдилар. 3 Ичкарига
кирдилар, аммо Раббимиз Исонинг жасадини топмадилар. 4 Улар гангиб
қолдилар. Шунда тўсатдан аёлларнинг қаршисида икки одам пайдо бўлди.
Уларнинг кийимлари ярқираб турарди. 5 Аёллар ваҳимадан бошларини ерга эгиб

туришди. Одамлар эса аёлларга шундай дейишди:

— Нега сиз тирикни ўликлар орасидан қидиряпсизлар? [6] У бу ерда йўқ, У тирилди! Ҳали Жалилада бўлган пайтида сизларга нима деганини эсланглар. [7] У сизга: “Инсон Ўғли гуноҳкор одамлар қўлига тутиб берилади, хочга михланади, учинчи куни эса тирилади”, деган эди–ку*.

[8] Шунда аёллар Исонинг бу сўзларини эсладилар. [9] Улар қабр ёнидан қайтиб, бу воқеани ўн бир шогирдга ва қолган ҳаммага айтиб бердилар. [10] Ҳаворийларга бу хабарни Магдалалик* Марям, Йўанна ва Ёқубнинг онаси Марям етказдилар. Улар билан бирга бошқа аёллар ҳам бор эди. [11] Аммо ҳаворийлар, бу аёллар сафсата тарқатяптилар, деб ўйладилар, аёлларнинг гапларига ишонмадилар. [12] Бутрус эса ўрнидан туриб, қабр томон югурди. Ичкарига энгашиб қараб, у ерда фақатгина кафанни кўрди. Юз берган воқеадан ҳайрон қолиб, уйига қайтиб кетди.

Эммаус йўлида

[13] Ўша куни Исонинг шогирдларидан иккитаси Эммаус деган қишлоққа кетишаётган эди. Бу қишлоқ Қуддусдан тахминан ўн чақирим* узоқликда жойлашган эди. [14] Улар юз берган воқеалар тўғрисида суҳбатлашиб кетаётган эдилар. [15] Улар гаплашиб, бўлиб ўтганларни муҳокама қилиб кетаётганларида, Исонинг Ўзи уларга яқинлашиб, ҳамроҳ бўлди. [16] Шогирдлар Исони кўрдилар, аммо Уни таний олмадилар.

[17] Исо улардан:

— Нимани муҳокама қилиб кетяпсизлар? — деб сўради. Улар тўхтаб қолдилар, юзлари ғамгин эди*. [18] Шогирдларидан Клеопас дегани Унга жавоб берди:

— Шу кунларда Қуддусда кўп воқеалар юз берди. Булардан бехабар қолган мусофир ёлғиз Сиз бўлсангиз керак.

[19] — Қандай воқеалар? — деб сўради Исо улардан.

— Носиралик Исо тўғрисидаги воқеалар–да, — деб жавоб берди улар. — Исо пайғамбар эди, Худо олдида ва бутун халқ олдида сўзлари ва ишлари билан қудратини кўрсатди. [20] Аммо бош руҳонийларимиз билан йўлбошчиларимиз Уни ўлимга маҳкум қилиб, хочга михлаш учун тутиб бердилар. [21] Биз эса, У Исроилни халос этади, деб умид қилган эдик. Бу ҳодисалар содир бўлганига бугун уч кун бўлди. [22] Бунинг устига–устак, орамиздаги айрим аёллар бизни ҳайратда қолдиришди. Улар бугун саҳарда қабрга борган эканлар, [23] Унинг жасадини топа олмабдилар. Аёллар қайтиб келиб: “Бизга фаришталар зоҳир бўлди, улар бизга, Исо тирик, деб айтишди” деган хабарни олиб келишди. [24] Шунда орамиздан баъзилар қабрга бориб, аёлларнинг гапи тўғри эканини кўрдилар. Исо қабрда йўқ эди.

[25] Исо уларга деди:

— Бунчалик бефаҳм бўлмасангизлар?! Пайғамбарларнинг гапларига ишониш нега сизлар учун шунчалик қийин?! [26] Ахир, Масиҳ улуғланишидан олдин бу азобларни бошдан кечириши керак эди–ку!

[27] Кейин Мусодан тортиб, барча Пайғамбарлар битикларида* Ўзи ҳақида ёзилган сўзларнинг ҳаммасини Исо уларга тушунтирди. [28] Ниҳоят, улар бораётган қишлоққа яқинлашдилар. Исо Ўзини йўлда давом этадиган қилиб кўрсатди. [29] Лекин улар Исога:

— Кеч бўлиб қолди, ҳадемай қоронғи тушади. Биз билан бирга қолинг, — деб қистадилар.

Исо улар билан бирга қолгани ичкарига кирди. [30] Улар билан бирга дастурхонга ўтирганда, нонни олиб шукрона дуосини айтди ва нонни синдириб

уларга берди. 31 Шунда уларнинг кўзлари очилиб, Исони таниб қолишди. Бироқ
Исо кўздан ғойиб бўлди.
32 Шогирдлар бир–бирига дедилар:
— У йўлда биз билан гаплашиб, Муқаддас битикларни тушунтираётганда,
юракларимиз жизилламаганмиди, ахир?!
33 Шу заҳоти ўринларидан туриб, Қуддусга қайтиб бордилар. Ўн бир
ҳаворийни ва улар билан тўпланиб турганларни топдилар. 34 Ҳаворийлар уларга:
— Раббимиз Исо ҳақиқатан ҳам тирилибди! У Бутрусга* кўринибди! — деб
айтдилар. 35 Шунда Эммаусдан қайтиб келган икки шогирд ҳам йўлдаги
воқеаларни, Исо нонни синдираётганда Уни қандай таниб қолганларини айтиб
бердилар.

Исо шогирдларига зоҳир бўлади

36 Улар бу тўғрида ҳали гапираётганларида, Исонинг Ўзи ўрталарида зоҳир
бўлди.
— Сизларга тинчлик бўлсин! — деди.
37 Шогирдлар, арвоҳ кўряпмиз, деб ўйлаб ўтакаси ёрилди. 38 Лекин Исо уларга
деди:
— Нега қўрқиб кетдингизлар? Нечун кўнглингизда бунча гумонлар
туғиляпти? 39 Қўлларимга ва оёқларимга қаранглар, бу Мен Ўзимман. Мени ушлаб
кўринглар. Арвоҳнинг эту суяги бўлмайди–ку, ахир! Менинг эса, кўриб
турганингиздай, эту суягим бор.
40 Исо шу гапларни айтиб, уларга қўл–оёқларини кўрсатди. 41 Шогирдлари
севинчдан таажжубланиб ҳали ҳам ишонмай турганларида, Исо улардан сўради:
— Бу ерда ейдиган бирон нарсангиз борми?
42 Шогирдлари Унга бир бўлак қовурилган балиқ* беришди. 43 Исо буни олиб,
уларнинг кўзлари олдида еди. 44 Кейин Исо шогирдларига деди:
— Сизлар билан бирга бўлган пайтларимда, Мусонинг Таврот китобида,
Пайғамбарлар битикларида ва Забурда* Мен тўғримда ёзилганлар бажо бўлиши
керак, деб сизларга айтган эдим.
45 Сўнгра Исо, Муқаддас битикларни тушуниб етсинлар деб, уларнинг онгини
очди 46 ва уларга деди:
— Масиҳ азоб чекиши ва учинчи куни ўликдан тирилиши керак, деб ёзилган.
47 Яна, тавба қилиш ва гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги хабар Унинг номи
билан жамики халқларга ваъз қилиниши керак, деб ҳам ёзилган. Шундай экан,
Қуддусдан бошлаб, 48 ҳамма одамларга кўрган–билганларингизни айтинглар.
49 Мен сизларга осмондаги Отам ваъда қилган Муқаддас Руҳни юбораман*.
Шунинг учун юқоридан қудрат келиб сизларни қамраб олмагунча, шу шаҳарда
қолинглар.

Исо осмонга кўтарилади

50 Шундан кейин Исо шогирдларини шаҳардан ташқарига — Байтания*
яқинига олиб чиқди. Исо қўлларини кўтариб, уларни дуо қилди. 51 Дуо қилаётиб,
улардан узоқлашиб бораверди ва осмонга кўтарилди.
52 Шогирдлар эса Унга сажда қилдилар ва катта севинч ила Қуддусга қайтиб
бордилар. 53 Улар доимо Маъбадда бўлиб, Худони олқишлар эдилар*.

ИЗОҲЛАР

1:1-3 *Теофилус* — мазкур Хушхабар ҳамда Ҳаворийлар фаолияти китоби Теофилус учун ёзилган (Ҳаворийлар 1:1 га қаранг). Бу одам юқори лавозим эгаси бўлиб, Хушхабар таълимотидан бохабар эди. У ҳақда бундан бошқа ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган.

1:5 *Яҳудия шоҳи Ҳирод* — Буюк Ҳирод унвони билан ҳам танилган бўлиб, у милоддан олдинги 37-4 йилларда ҳукмронлик қилган. Бу ўринда Яҳудия деган ном бутун қадимги Фаластинга нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАЛАСТИН сўзига қаранг.

1:5 *руҳоний* — Қуддусдаги Маъбадда хизмат қиладиган эътиборли дин раҳнамоси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

1:5 *руҳоний Абиё уруғи* — руҳонийлар Мусонинг акаси Ҳорун наслидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг жамики уруғлари 24 та бўлинмани ташкил қилар эди. Абиё саккизинчи бўлинмадаги руҳонийларнинг бобокалони эди (1 Солномалар 24:10 га қаранг).

1:5 *руҳонийлар* — юнонча матнда *Ҳорун*, Исроил халқига олий руҳоний бўлиб хизмат қилган биринчи инсон ва жамики руҳонийларнинг бобокалони.

1:9 *...хушбўй тутатқилар тутатиш...* — бу вазифа кунига икки маҳал — бир марта эрталаб ва бир марта кечқурун бажарилар эди.

1:9 *қуръа* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

1:15 *Онасининг қорнидаёқ...* — ёки *Туғилиши биланоқ....*

1:17 *Илёс пайғамбарнинг руҳи ва қудратига тўлиб...* — Илёс пайғамбар Эски Аҳд даврида яшаган. У халқ орасида қилган мўъжизалари билан донг таратган эди (мисол учун, 3 Шоҳлар 18:1-46 га қаранг). Яна Малаки 4:5-6 га қаранг.

1:17 *Раббимиз Масиҳ* — юнонча матнда *Раббий*, Масиҳга ишора (2:11 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

1:28 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар фариштанинг гапига қўшимча қилинган: *Аёллар ичра муборакsан*.

1:29 *Марям...саросимага тушди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Марям фариштани кўриб, унинг сўзларидан саросимага тушди*.

1:31 *Исо* — юнонча матнда *Иисус*, бу исм ибронийча *Ёшуа* исмидан олинган бўлиб, *Эгамиз қутқаради* маъносини ифодалайди.

1:32 *Худойи Таолонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

1:33 *Исроил халқи* — юнонча матнда *Ёқуб хонадони*, Эски Аҳдда Исроил халқи шу ном билан ҳам аталган.

1:35 *...туғадиган ўғлинг муқаддас бўлади, У Худонинг Ўғли деб аталади* — ёки *...туғадиган муқаддас Ўғлинг Худонинг Ўғли деб аталади*.

1:59 *...саккизинчи куни болани суннат қилгани...* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат

яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

1:69-70 *қудратли Нажоткор* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *нажотнинг шохи* ёки *қутқарадиган шох*. Ҳўкизнинг шохи куч–қудрат рамзи эди, чунки ҳўкиз қадимий Яқин Шарқдаги энг кучли ҳайвонлардан бири эди.

1:78 *уфқ Нури* — Масиҳнинг келишига ишора. Яна 2:30-32 га қаранг.

1:80 *чўл* — Иордан дарёсининг Ўлик денгизга қуйиладиган жойига яқин бўлган, дарёдан ғарбда жойлашган ерлар.

2:1 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

2:1 *Август* — Октавиан исми билан ҳам танилган бўлиб, милоддан олдинги 27 йилдан то милодий 14 йилгача ҳукмронлик қилган.

2:1 *...бутун Рим империясидаги аҳоли рўйхатга олинсин...* — вояга етган ҳар бир инсон император хазинасига солиқ тўлаши керак эди. Буни назорат қилиш мақсадида бутун аҳоли рўйхатдан ўтказилиши лозим эди.

2:2 *Бу...ўтказилди* — ёки *Шундай қилиб, Сурияда Квириниюс ҳукмронлик қилган пайтдаги биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди*.

2:11 *Довуд шаҳри* — яъни Байтлаҳм (шу бобнинг 4–оятига қаранг).

2:11 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

2:14 *...Худодан марҳамат топган ердаги бандаларга тинчлик келсин* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ердаги бандаларга тинчлигу марҳамат*.

2:21 *Чақалоқни суннат қиладиган пайт* — 1:59 изоҳига қаранг.

2:22-24 *Мусонинг қонунига кўра...* — Левилар 12:1-4 га қаранг.

2:22-24 *Эгамизнинг...амрни бажардилар* — Левилар 12:6-8 га қаранг.

2:22-24 *Эгамизнинг қонунида...ёзилган* — Чиқиш 13:1-2, 11-16 га қаранг.

2:37 *У саксон тўрт йил давомида бева бўлиб...* — ёки *У саксон тўрт ёшда эди....*

2:41 *Фисиҳ байрами* — Фисиҳ зиёфатига ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрамига ишора (22:1 га қаранг). Бу байрамлар Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланар эди (Чиқиш 12:1-42, 13:3-10 га қаранг).

2:49 *самовий Отам* — Худога ишора. Исо кўпинча Ота унвонини Худога нисбатан ишлатган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

2:49 *Мен самовий Отамнинг уйида бўлишим...* — ёки *Мен самовий Отамнинг ишлари билан машғул бўлишим....*

3:1 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

3:1 *Қайсар Тиберий ҳукмронлигининг ўн бешинчи йили* — тахминан милодий 28 ёки 29 йил (Тиберий милодий 14-37 йилларда ҳукмронлик қилган). Ўша пайтда Исо тахминан 30 ёшларда эди (шу бобнинг 23–оятига қаранг).

3:1 *...Пўнтий Пилат ҳоким эди* — Рим ҳукумати томонидан тайинланган ҳоким.

3:1 *Ҳирод* — Антипас исми билан ҳам танилган бўлиб, Буюк Ҳироднинг ўғли эди.

3:1 *...ҳукмронлик қилар...* — юнонча матнда бу учала ҳукмдор *тетрарх* деган унвон билан тилга олинган. Бу унвон Рим империяси томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳокимияти чекланган ва фақат Рим ҳукумати рухсати билан иш юритадиган ҳукмдорга нисбатан қўлланилган. Авом халқ орасида бундай ҳукмдор шоҳ деб аталар эди (мисол учун, Матто 14:9, Марк 6:14 га қаранг).

3:2 *...Ханан ва Каяфас эса олий руҳоний эдилар...* — Ханан милодий 6-15 йилларда олий руҳоний бўлиб хизмат қилган. Рим ҳукумати уни бу лавозимдан четлатгандан кейин унинг ўрнини куёви Каяфас эгаллаб, милодий 18-37 йилларда олий руҳоний бўлиб хизмат қилди. Ханан ўз вазифасидан четлатилганига қарамай, халқ уни ҳамон олий руҳоний деб биларди, у яҳудийлар жамиятида юксак эътибор ва нуфузга эга эди.

3:2 *чўл* — 1:80 изоҳига қаранг.

3:4-6 Муаллиф бу ўринда Ишаё 40:3-5 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

3:12 *Солиқчилар* — бу солиқчилар одатда яҳудий бўлиб туриб, Рим давлатига ишлагани учун ҳамма уларни ёмон кўрарди. Кўп солиқчилар фирибгарлик қилиб, халқдан солиқ учун керагидан ортиқроқ пул ундирардилар–да, бу пулни ўз чўнтакларига урардилар. Мана шунинг учун ҳам халқ солиқчилардан нафратланиб, уларни ўз имонини сотган хоинлар деб биларди.

3:16 *олов* — имонлиларни поклайдиган Муқаддас Руҳнинг қудратига ишора бўлиши мумкин (Ҳаворийлар 1:5, 8, 2:1-4, 11:16 га қаранг). Аммо бу ўринда олов сўзи Ҳукм кунига ишора қилаётганининг эҳтимоли кўпроқ (шу бобнинг 7-9, 17–оятларига қаранг). Охиратда одамлар Исога ва Унинг таълимотига ишонган–ишонмаганларига қараб ҳукм қилинадилар.

3:19 *Вилоят ҳукмдори* — юнонча матнда *Тетрарх*. Шу бобнинг 1–оятига берилган охирги изоҳга қаранг.

3:22 *Сен Менинг севикли Ўғлимсан* — Забур 2:7 га қаранг.

3:22 *Сендан ниҳоятда мамнунман* — Ишаё 42:1 га қаранг.

3:23 *Одамлар Уни Юсуфнинг ўғли деб ҳисоблардилар* — Юсуф Исонинг асл отаси эмасди (1:26-37 га ва Матто 1:18-22 га қаранг).

3:23 *...ўғли...* — мазкур рўйхатдаги *ўғли* сўзининг маъноси *авлоди* бўлиши ҳам мумкин. Одатда Муқаддас Китобда берилган насабномаларда ҳамма наслларнинг тўлиқ рўйхати берилмай, фақат маълум бир авлоднинг маълум бир аждоддан келиб чиққанини кўрсатади. Баъзи ҳолларда эса бирор насабдан тарқалган наслларнинг сонини кўрсатиш мақсадида насабномага исмлар киритилади (Матто 1:17 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Мазкур насабномада Исодан Одам Атогача бўлган 77 та насл тилга олинган. Одатда 77 сони баркамолликни билдиради. Исо нафақат Исроил халқи учун, балки дунёдаги жамики халқларга нажот бериш учун келган. Буни кўрсатиш мақсадида, бу ўринда Исо Масиҳнинг насаби то инсоният бобокалони бўлмиш Одам Атогача кўрсатилган.

3:27 *Зарубабел* — Исроил халқи Бобилдаги сургундан қайтиб келгандан кейин халққа бошчилик қилган эътиборли етакчи эди (Эзра 2:1-2, 3:1-2, Хаггей 1:1 га қаранг). Насабноманинг биринчи қисми сургундан кейин яшаган 21 наслни ўз ичига олган.

3:31 *Натан* — насабноманинг бу иккинчи қисми шоҳ Довуд давридан то халқ Бобилга сургун бўлган пайтгача яшаган 21 наслни ўз ичига олган.

3:33 *Оминадав — Админнинг ўғли, Админ — Арнийнинг ўғли, Арний — Хазроннинг ўғли* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Оминадав — Рамнинг ўғли, Рам — Хазроннинг ўғли* (яна 1 Солномалар 2:9-10 га қаранг). Яна шу бобнинг 23–оятига берилган иккинчи изоҳга қаранг.

3:34 *Исҳоқ* — насабноманинг бу учинчи қисми 14 наслни ўз ичига олган.

3:37 *Ханўх* — шарқ ёзма адабиётида Идрис пайғамбар деб эътироф этилган.

3:38 *Одам Ато* — насабноманинг бу сўнгги қисми 21 наслни ўз ичига олган.

3:38 *Худонинг ўғли* — Одам Ато Худонинг суратида яратилганига ишора қилинади (Ибтидо 1:26-27, 5:1-3 га қаранг). Худди шу сингари, бутун одамзод Худодан келиб чиққан (Ҳаворийлар 17:28-29 га қаранг).

4:3 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

4:4 *Инсон фақат нон билан яшамайди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг ҳар бир сўзи билан яшайди*. Қонунлар 8:3 га қаранг.

4:5 *тепалик* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *баланд бир тоғ*.

4:8 *Ёзилганки…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Йўқол кўзимдан, шайтон! Ёзилганки*.

4:8 Қонунлар 6:13 га қаранг.

4:10-11 Забур 90:11-12 га қаранг.

4:12 Қонунлар 6:16 га қаранг.

4:18 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар кейинги мисра сифатида қўшимча қилинган: *Дилабгорларга шифо бермоқ учун*.

4:18-19 Муаллиф бу ўринда Ишаё 61:1-2 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган. *Асирларни озод қилмоқ учун* ибораси Ишаё 58:6 дан олинган.

4:25 *…Илёс пайғамбар даврида…* — 3 Шоҳлар 17:1-24 га қаранг.

4:27 *…Элишай пайғамбар даврида…* — 4 Шоҳлар 5:1-14 га қаранг.

4:27 *тери касаллиги* — бу ибора юнончада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади.

4:38 *Шимўн* — Бутрус исми билан ҳам танилган, Бутрус исмини унга Исо қўйган эди (6:14 га қаранг).

4:40 *Қуёш ботаётган пайтда…* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди. Матнда тасвирланган пайт Шаббат кунининг якуни ва якшанба кунининг бошланиши эди. Яҳудийларда якшанба ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланар эди.

4:41 *“Сен Худонинг Ўғлисан!”* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *“Сен Худонинг Ўғли — Масиҳсан!”*

4:43 *Худонинг Шоҳлиги* — Худонинг ҳозирги пайтда инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлиги ва охиратда ҳар бир яратилган мавжудотнинг янгиланишига ишора. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ

иборасига қаранг.

4:44 *юрт* — юнонча матнда *Яҳудия*. Бу ўринда Яҳудия деганда бутун қадимги Фаластин назарда тутилган.

5:1 *Жалила кўли* — юнонча матнда *Генисарет кўли*, Жалила кўлининг яна бир номи. Генисарет Кафарнаҳум шаҳридан жануби–ғарбдаги серҳосил текисликдир (Матто 14:34, Марк 6:53 га қаранг).

5:3 *Шимўн* — Бутрус исми билан ҳам танилган, Бутрус исмини унга Исо қўйган эди (6:14 га қаранг).

5:8 *Шимўн* — юнонча матнда *Шимўн Бутрус*. Шу бобнинг 3–ояти изоҳига қаранг.

5:12 *тери касаллиги* — бу ибора юнончада ҳар хил тери касалликларига нисбатан ишлатилган сўзнинг таржимасидир. Одатда бу ибора мохов касаллигига ишора деб тушунилади. Тери касалликларидан бирортасига йўлиққан киши ҳаром ҳисобланар эди. Хаста одам касаллигини бошқаларга юқтирмаслиги ва уларни ҳаром қилмаслиги учун бошқалардан ажратиб қўйилар эди (Левилар 13:45-46 га қаранг).

5:14 *Покланганингни ҳаммага исбот қилиш учун…* — ёки *Мен Худонинг қонунига жиддий қарашимни руҳонийлар кўришлари учун….*

5:14 *Бориб…Мусо амр қилган қурбонликларни келтир* — Левилар 14:1-32 га қаранг.

5:17 *фарзийлар* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга ҳамда покланиш удумларига изчил амал қилардилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАРЗИЙ сўзига қаранг.

5:17 *Таврот тафсирчилари* — Мусонинг қонунини жуда яхши билган зиёли одамлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ТАВРОТ ТАФСИРЧИСИ иборасига қаранг.

5:17 *Исода Эгамизнинг…қудрати бор эди* — 4:14 га қаранг.

5:19 *…уйнинг томига чиқиб…* — қадимги Фаластинда уйларнинг томи текис бўлар эди. Томга уйнинг девори бўйлаб қурилган зина орқали чиқиларди.

5:19 *…томдан тешик очдилар. Сўнг шолни ўша тешикдан…туширдилар* — юнонча матнда *…уйнинг томига чиқиб, шолни томнинг хом ғиштлари орасидан…туширдилар*. Қадимги Фаластинда уйларнинг томи ёпилганда, кўндаланг ётқизилган тўсинлар устига шох–шаббалар терилиб, устига лой ва сомон қоришмасидан тайёрланган лўмбоз босилар эди. Баъзида томни ёпишда япалоқ, юпқа хом ғиштлардан фойдаланиларди.

5:24 *Инсон Ўғли* — Исо Масиҳ кўпинча Ўзига нисбатан ишлатган унвон. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИНСОН ЎҒЛИ иборасига қаранг.

5:27 *солиқчи* — 3:12 изоҳига қаранг.

5:27 *Леви* — Матто исми билан ҳам танилган (Матто 9:9 га қаранг).

5:37 *…янги шароб мешни ёриб юборади…* — қадимги пайтларда суюқлик одатда ҳайвон терисидан қилинган мешларда сақланарди. Узум шарбати бижғиб, шаробга айланганда, мешлар шишарди. Меш эскиргани сари ўз чўзилувчанлигини йўқотгани боис, янги шароб эски мешга солинганда, мешни ёриб юборарди.

5:38 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Шунда у ҳам, бу ҳам сақлаб қолинади*.

6:1 *Шаббат кунларининг бирида…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *иккинчи илк Шаббат*, бу иборанинг маъноси баҳсли.

6:1 *Унинг шогирдлари…донларини еяётган эдилар* — Таврот қонунларига кўра, оч қолган одам бировнинг даласидан бошоқларни узиб, донини ейиши мумкин эди (Қонунлар 23:24-25 га қаранг).

6:2 *Шаббат куни қонунга хилоф иш* — фарзийлар Тавротдаги қонунни (Чиқиш 34:21 га қаранг) ўзларича жиддий шарҳлаб, ҳатто инсон ҳаётига оид икир–чикирларни ҳам қонун даражасига кўтарганлар. Шунинг учун улар Исонинг шогирдлари қилган ишни Шаббат кунига хилоф иш деб ҳисоблаганлар.

6:3 *Довуд ҳамроҳлари билан оч қолганда нималар қилгани* — 1 Шоҳлар 21:1-6 га қаранг.

6:4 *муқаддас нонлар* — Левилар 24:5-9 га қаранг. Яна луғатдаги МУҚАДДАС НОН иборасига қаранг.

6:9 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Улар индамадилар*.

6:15 *ватанпарвар* — бу ном Шимўннинг Рим империясига қаршилик кўрсатган авом халқ ҳаракатининг аъзоси эканига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Ушбу ҳаракат аъзолари сиёсий, иқтисодий ва диний мақсадларни кўзлаган эдилар.

6:17 *Яҳудия* — бу ўринда Яҳудия деган ном бутун қадимги Фаластинга нисбатан ишлатилган.

6:48 *…уй маҳкам ўрнатилган* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *уй тош устига маҳкам ўрнатилган*.

7:2 *Рим* — ўша даврда қадимги Фаластин Рим империяси ҳукмронлиги остида эди.

7:11 *Унинг шогирдлари* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *кўплаб шогирдлари*.

7:17 *Яҳудия* — 6:17 изоҳига қаранг.

7:22 *тери касаллиги* — 5:12 изоҳига қаранг.

7:27 Малаки 3:1 га қаранг.

7:28 *Яҳёдан улуғи йўқ* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Яҳё чўмдирувчидан улуғроқ бирон пайғамбар йўқ*.

7:29 *солиқчилар* — 3:12 изоҳига қаранг.

7:37 *ганч* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз нақкошликда қўлланиладиган оқиш ёки сарғиш рангли тошни билдиради. Одатда бу тошдан ясалган идишларда атир мойни узоқ вақт давомида сақласа бўларди.

7:41 *кумуш танга* — юнонча матнда *динор*. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

7:44-46 *…оёқларимни ювгани сув бермадинг…[45]…Мени ўпиб кутиб олмадинг…[46]…бошимга зайтун мойи суртмадинг…* — одатда меҳмонлар келганда, мезбон уларни уйига олиб киришидан олдин, оёқларини ювиш учун сув берар эди, чунки ўша даврда одамлар оёқ яланг ёки чориқ кийиб юрганлари боис, оёқлари чанг бўлар эди. Шунингдек, мезбон меҳмон билан саломлашганда унинг

юзидан ўпар эди, ҳурматли меҳмоннинг бошига эса хушбўй зираворлар қўшилган зайтун мойини суртарди.

8:2 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

8:3 *Ҳирод* — 3:1 га ва ўша оятнинг тўртинчи изоҳига қаранг.

8:3 *Исо билан Унинг шогирдлари* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исонинг*.

8:10 Ишаё 6:9 га қаранг.

8:15 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Исо буларни айтиб: "Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!" — деб хитоб қилди*.

8:22 *Кўлнинг нариги томони* — Жалила кўлининг шарқий қирғоғига ишора.

8:26 *Гераса* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Гадара* (шу бобнинг 37–оятида ҳам бор). Гераса шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда ғайрияҳудийлар истиқомат қиларди.

8:28 *Худойи Таолонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

8:30 *Тумонат* — юнонча матнда *Легион*, маъноси *минглар*. Бу юнонча сўз Римликларнинг ҳарбий терминидан олинган бўлиб, 6000 аскардан иборат бўлган бўлинма маъносини ифодалайди.

8:40 *Исо кўлнинг бу қирғоғига қайтиб келганда…* — Исо орқага, кўлнинг ғарбий қирғоғидаги Жалила ҳудудига қайтиб келган эди (шу бобнинг 22–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

8:45 *Бутрус* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Бутрус ва Исонинг бошқа шогирдлари*.

8:45 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Нега яна, Менга ким қўл тегизди, деб сўрайсиз?*

8:48 *Қизим* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *дадил бўл, қизим*.

8:52 *Ҳамма қизча учун дод–фарёд қилаётган эди* — баъзан дафн маросимлари пайтида дод–фарёд қилиб, айтиб йиғлаш учун йиғичилар ёлланарди.

8:54 *Исо эса қизчанинг қўлидан ушлаб…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исо эса ҳаммани ташқарига чиқариб, қизчанинг қўлидан ушлаб*.

9:5 *…уларга огоҳлантириш тариқасида оёқларингиздаги чангни қоқиб кетинглар* — одамлар Худонинг элчиларини рад этганлари учун, ҳаворийлар оёқларидаги чангни қоқиб кетардилар. Ҳаворий Павлус ҳам шунга ўхшаш ҳаракатни ишлатган (Ҳаворийлар 18:6 га қаранг). Бу ҳаракат ўша одамларнинг аянчли қисматини, яъни Худо томонидан рад этилишини ва Унинг шоҳлигидан бенасиб қолиш хавфини англатарди.

9:7 *Вилоят ҳукмдори* — юнонча матнда *Тетрарх*. 3:1 нинг охирги изоҳига қаранг.

9:7 *Ҳирод* — 3:1 га ва ўша оятнинг тўртинчи изоҳига қаранг.

9:8 *Илёс пайғамбар* — Эски Аҳд даврида яшаган энг буюк пайғамбарлардан бири. Яҳудийлар Илёснинг қайтиб келишини интизорлик билан кутишарди (Малаки 4:5-6 га қаранг).

9:10 *Ҳаворийлар қайтиб келдилар…* — шу бобнинг 6–оятига қаранг.

9:10 *Байтсайда шаҳри* — бу ўринда кўлнинг шимоли–шарқ томонидаги шаҳарга ёки кўлнинг шимоли–ғарб томонида жойлашган, Жалиладаги Байтсайда деган шаҳарга ишора қилинаётган бўлиши мумкин (Юҳанно 12:21 га қаранг). Анъанага кўра, Исо бир неча минг кишини тўйдирган жой Жалиладаги Байтсайдага яқин эди.

9:10 *...уларни Байтсайда шаҳрига олиб кетди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *уларни Байтсайда шаҳри яқинидаги хилват жойга олиб кетди*.

9:19 *...Яҳё чўмдирувчи...Илёс...* — шу бобнинг 7-8–оятларига ва 8–оятнинг изоҳига қаранг.

9:20 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

9:22 *бош руҳонийлар* — жамиятнинг бошқа эътиборли одамлари қаторида Олий кенгаш аъзолари эдилар. Олий кенгаш яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БОШ РУҲОНИЙЛАР иборасига қаранг.

9:23 *...ўз хочини кўтариб...* — Рим империяси даврида ўлим жазосининг бир тури маҳкумни хочга михлаш эди. Бу жазо ҳаммага маълум бўлган. Одатда жиноятчи ўзи михланадиган хочнинг кўндаланг ёғочини ҳукм ижро этиладиган жойга кўтариб олиб борар эди (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХОЧ сўзига қаранг). Исо Масиҳ мана шу тимсол орқали шогирдларини ҳамда Унга ишонганларни ўз манфаатларини кўзламасдан, Унга бутунлай ўзларини бағишлаб ва итоат қилиб ҳаёт кечиришга, ҳаттоки У учун ўлимга ҳам рози бўлишга даъват этади.

9:30-31 *...оламдан ўтиши...* — юнонча матнда *чиқиши*, Исонинг ўлими ва тирилишига ишора қиладиган сўз. Бу сўз Эски Аҳдда баён қилинган воқеани, яъни Худо Ўз халқини Мисрдан олиб "чиқиш"ини эслатиш мақсадида қўлланилган бўлиши мумкин. Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан озод қилган эди, Исонинг ўлими ва тирилиши орқали эса У тез орада инсониятни буюк нажотга эриштиради.

9:35 *Бу Менинг Ўғлимдир, Мен Уни танладим* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бу Менинг севикли Ўғлимдир*.

9:53 *Самарияликлар* — яҳудийлар ва Самарияликлар узоқ вақт давомида бир–бирларига душман бўлиб келганлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.

9:54 *...деб буюрамиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *деб Илёс пайғамбар қилганидай буюрамиз*.

9:55-56 *...уларни койиди. [56] Шундан кейин улар бошқа қишлоққа кетдилар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *уларни койиб деди: "Сизлар қандай руҳда бораётганингизни билмайсизлар. [56] Инсон Ўғли инсон жонини ҳалок қилиш учун эмас, халос қилиш учун келган." Шундан кейин улар бошқа қишлоққа кетдилар*.

9:60 *руҳан ўлик бўлганлар* — юнонча матнда *ўлик бўлганлар*.

10:1 *етмиш икки* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *етмиш*. Шу бобнинг 17–оятида ҳам бор.

10:11 *Огоҳлантириш тариқасида шаҳрингиздан оёқларимизга ёпишган чангни ҳам қоқиб кетяпмиз* — 9:5 изоҳига қаранг.

10:12 *Садўм шаҳри* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

10:13 *Тир билан Сидон шаҳарлари* — Финикияда муҳим аҳамиятга эга бўлган ғайрияҳудийлар шаҳарлари. Бу шаҳарлар Жалиладан шимоли–ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган эди. Бугунги кунда бу ер Ливан мамлакатининг жанубий қисмини ташкил қилади.

10:13 *...қаноргa ўраниб, кулга ўтириб...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган. Қанорга ўраниб олиш ва кулга ўтириш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

10:19 *иблис* — юнонча матнда *душман*, бу сўз иблисга нисбатан айтилган (Матто 13:39, 1 Бутрус 5:8 га қаранг).

10:27 Қонунлар 6:5 га қаранг.

10:27 Левилар 19:18 га қаранг.

10:30 *...Қуддусдан Ерихога...* — Қуддусдан Ерихогача бўлган масофа қарийб 25 километрни ташкил қиларди. Саҳро орқали ва ғорлар ёнидан ўтган бу йўлда қароқчилар яшириниб юргани учун, шу йўл ниҳоятда хатарли ҳисобланар эди.

10:31 *руҳоний* — Қуддусдаги Маъбадда хизмат қиладиган эътиборли дин раҳнамоси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

10:32 *леви* — Қуддусдаги Маъбадда руҳонийга хизмат қилишда ёрдам берадиган одам. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР сўзига қаранг.

10:33 *Самариялик* — яҳудийлар Самарияликлардан ҳазар қилишар эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.

10:34 *...яраларига зайтун мойи, шароб суриб...* — булар қадимги пайтларда малҳам сифатида ишлатиларди. Зайтун мойи оғриқ қолдириб, терини қуриб кетишдан сақлар эди (Ишаё 1:6 га қаранг). Шароб ярани дезинфекция қилар эди.

10:35 *Эртаси куни* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Эртаси куни жўнаётганда*.

10:35 *кумуш танга* — юнонча матнда *динор*. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

11:2 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин*.

11:4 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Ёвуз шайтондан халос қилгин*.

11:11 *Орангиздан қайси бир ота...илон беради?* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Орангиздан қайси бир ота ўғли нон сўраганда, унга тош беради? Ёки балиқ сўраганда, унга илон беради*.

11:15 *инс–жинслар ҳукмдори Баалзабул* — шайтон шоҳлигидаги қудратли бир мавжудотга ёки шайтоннинг ўзига ишора.

11:29 *Юнуснинг аломати* — Юнусни наҳанг балиқ ютиб юборгандан кейин, Худо

уни наҳанг балиқнинг қорнидан халос этганди (Юнус 2:1, 11 га қаранг). Исо Юнуснинг ҳаётидаги бу воқеани тилга олиб, Ўзининг ўлими ва тирилишига ишора қилмоқда (Матто 12:39-40 га қаранг).

11:30 *Найнаво* — Юнус даврида Оссурия шоҳлигининг пойтахти эди. Бу шаҳар Ниневия номи билан ҳам маълум.

11:30 *...Найнаво аҳолисига аломат...ҳозирги насл учун аломат...* — Юнусни Худо юборганини англаган Найнаво аҳолиси ўз гуноҳларидан тавба қилганди (Юнус 3:1-10 га қаранг). Исонинг ўлими ва тирилиши ҳам ҳозирги замон одамларига аломат бўлиб хизмат қилади. Одамлар Исони Худодан юборилган деб қабул қилиб, ўз гуноҳларидан тавба қилишлари даркор (шу бобнинг 32–оятига қаранг).

11:31 *Жануб маликаси* — Шава маликаси назарда тутилган (3 Шоҳлар 10:1-10 га қаранг).

11:38 *қўлларини ювмагани* — фарзийлар овқатланишдан олдин қўлларининг ювилишига алоҳида эътибор қаратишарди. Айниқса кўчада, одамлар орасида бўлиб келгандан кейин, дастурхонга ўтиришдан олдин урф–одатларга кўра қўлларини ювиб, ўзларини поклаб олишарди.

11:42 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Левилар 27:30-33, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

11:44 *Ҳолингизга вой!* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ҳолингизга вой, эй тафсирчилар ва фарзийлар! Сизлар иккиюзламачисизлар!*

11:44 *Сизлар белгиси йўқ қабрларга ўхшайсизлар...ўша қабрлар...* — яҳудийлар қабрларни ҳаром деб билишарди, шунинг учун қабрга тегиб кетган одам ҳам ҳаром бўларди (Саҳрода 19:16 га қаранг). Фарзийлар ташқи тозалик, диний покликка риоя қилиб, ҳақиқий солиҳликка эътиборсиз бўлганлари учун Худонинг назарида нопок эдилар. Уларнинг урф–одатлари нафақат ўзларини, балки уларнинг урф–одатларига риоя қилган ҳамма одамни булғар эди.

11:51 *...Ҳобил...Закариё...* — Эски Аҳдда баён қилинган воқеаларга кўра, биринчи ўлдирилган инсон — Ҳобил, охирги ўлдирилган инсон эса Закариё эди (Ибтидо 4:8, 2 Солномалар 24:20-22 га қаранг).

11:53 *Исо у ердан чиқиши биланоқ...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исо буларни энди айтиб тугатар экан*.

12:1 *хамиртуруш* — мажозий маънода ишлатилган бўлиб, одатда бошқаларга салбий таъсир кўрсатадиган таълимотлар ва хулқ–атвор назарда тутилган.

12:1 *иккиюзламачилиги* — Матто 23:27-28 га қаранг.

12:6 *икки танга* — юнонча матнда *икки ассарион*, Рим империясидаги икки мис чақа. Ўн олти *ассарион* бир *динор* қийматига тўғри келарди. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

12:10 *...ким Муқаддас Руҳга куфрлик қилса...* — Худога ишонишдан бош тортиб, Муқаддас Руҳнинг ишига қаршилик кўрсатадиган одамга ишора қилади.

12:27 *шоҳ Сулаймон* — 3 Шоҳлар 10:23-27 га қаранг.

12:33 *...хазинангизни куя ея олмайди* — қадимги пайтларда қимматбаҳо кийимлар ва гиламлар хазина ҳисобланар эди.

13:1 *ҳоким Пилат* — 3:1 га ва ўша оятнинг учинчи изоҳига қаранг.

13:4 *Силоам қишлоғи* — Қуддус шаҳрининг ёнида жойлашган.

13:19 *хантал уруғи* — ўша замонда одамлар хантал уруғини энг майда уруғ деб билишарди.

13:21 *бир тоғора* — юнонча матнда *уч сатон*, тахминан 22 килога тўғри келади.

13:28 *Ёқуб* — Исҳоқнинг ўғли, Иброҳимнинг набираси.

13:31 *Ҳирод* — 3:1 га ва ўша оятнинг тўртинчи изоҳига қаранг.

13:35 Забур 117:26 га қаранг.

14:5 *фарзандингиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *эшагингиз*.

14:24 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Чунки даъват этилганлар кўп, аммо танланганлар оздир*.

14:26 *Мени…севиши керак* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ота–онасидан, ака–ука ва опа–сингилларидан, ҳатто ўз жонидан нафратланиши керак*. Бироқ Исо бу сўзлари билан издошларини туғишган жигарларидан ёки ўзларидан нафратланишга ундамоқчи эмас. *Нафрат* сўзи бу ўринда муболаға тарзида ишлатилган бўлиб, шогирдларнинг Исога бўлган севгиси биринчи даражали ва ниҳоятда юксак бўлиши кераклигини кўрсатмоқчи.

14:27 *Ўз хочини кўтариб…* — 9:23 изоҳига қаранг.

15:1 *солиқчилар* — 3:12 изоҳига қаранг.

15:8 *кумуш танга* — юнонча матнда *драхма*. Драхма юнон тангаси эди. Қиймати Римдаги бир *динор* қийматига тенг келар эди. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

15:15 *чўчқалар* — яҳудийлар чўчқаларни ҳаром деб билганлари учун, чўчқа боқиш энг шармандали иш ҳисобланарди (Қонунлар 14:8 га қаранг).

16:6 *Икки юз кўза…юз кўза…* — юнонча матнда *Юз бат…эллик бат…*, тахминан 2200 литрга ва 1100 литрга тўғри келади.

16:7 *Минг тоғора…саккиз юз тоғора…* — юнонча матнда *Юз кор…саксон кор…*, тахминан 22 тоннага ва 18 тоннага тўғри келади.

16:8 *нур аҳли* — Осмон Шоҳлигидан баҳраманд бўладиган Худонинг халқига ишора.

16:16 *Таврот ва Пайғамбарлар битиклари* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади (24:44 изоҳига қаранг).

16:29 *Мусонинг ва пайғамбарларнинг битиклари* — шу бобнинг 16–ояти изоҳига қаранг.

17:2 *Бу кичикларнинг биронтаси* — Исо Масиҳга имон келтирган одамлар, айниқса кичик бола сингари, ожиз ва қаровга муҳтож бўлганлар назарда тутилган (Матто 18:1-6 га қаранг).

17:6 *зиғирдай* — юнонча матнда *хантал уруғидай*. Ўша замонда одамлар хантал уруғини энг майда уруғ деб билишарди.

17:12 *тери касаллиги* — 5:12 изоҳига қаранг.

17:14 *…ўзларингни руҳонийларга кўрсатинглар* — Исо уларга шифо беришини билган ҳолда, Таврот қоидасига биноан, уларни руҳонийларнинг олдига юборди. Руҳонийлар тери касаллигига чалинган бу одамларни назоратдан ўтказиб, соғ ёки касал деб эълон қилишлари керак эди (Левилар 14:1-32 га қаранг). Яна 5:12-14 га қаранг.

17:16 *Самариялик* — яҳудийлар Самарияликлардан ҳазар қилишар эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.

17:26 *Нуҳ даврида* — Ибтидо 6:5-7:23 га қаранг.

17:28 *Лут* — Ибтидо 19:1-29 га қаранг.

17:31 *томнинг устида бўлган киши* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

17:32 *Лутнинг хотини* — Ибтидо 19:16-17, 24-26 га қаранг.

17:35-36 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 36–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Икки киши далада бўлса, бири олинади, бири қолдирилади*.

17:37 *Калхатлар…сизларга шу сингари аён бўлади* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Мурда қаерда бўлса, калхатлар ҳам ўша ерда тўпланади*.

18:10 *солиқчи* — 3:12 изоҳига қаранг.

18:20 Чиқиш 20:12-16, Қонунлар 5:16-20 га қаранг.

18:29 *…уй–жойини…қолдирган одам* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *уй–жойини ёки ота–онасини ё ака–укаларини ёки опа–сингилларини ё хотинини ёки болаларини қолдирган одам*.

18:32 *ғайрияҳудийлар* — ўша даврда Яҳудияда ҳукмронлик қилган Рим империяси амалдорларига ишора.

18:38 *Довуд Ўғли* — яҳудийлар шоҳ Довуд наслидан келиб чиқадиган Масиҳни шундай ном билан аташар эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

19:2 *солиқчилар* — 3:12 изоҳига қаранг.

19:4 *шикамора–анжир дарахти* — анжирнинг қадимги Яқин Шарқда кенг тарқалган бир тури. Катталиги ёнғоқ дарахтидай, барглари эса тут баргларига ўхшаш бўлиб, йил давомида бир неча бор ҳосил берадиган серсоя дарахт.

19:9 *Иброҳимнинг ўғлидир* — яъни Иброҳимнинг авлоди ва Худонинг халқига мансуб бўлган инсон маъносида келган.

19:13 *бир тилла* — юнонча матнда *бир мина*. Бу юнонча пул бирлигининг қиймати мардикорнинг 100 кунлик иш ҳақи миқдорига тенг келади.

19:29 *Зайтун тоғи* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонидаги тепалик.

19:30 *Анави қишлоқ* — яъни Байтфагия (Матто 21:1-2 га қаранг).

19:38 *Эгамиз номидан келаётган Шоҳ барака топсин!* — Забур 117:26 га қаранг.

19:44 *Сени шу қадар вайрон қиладиларки…* — милодий 70 йилда Тит бошчилигида Рим қўшини Қуддусни ва у ердаги Маъбадни бутунлай вайрон қилган.

19:44 *Худо сени қутқаргани келганди, аммо сен бу имкониятни қўлдан бой бердинг* — Худо Исони яҳудийларнинг олдига қутқарувчи Масиҳ қилиб юборган эди, лекин яҳудийлар кўп ўтмай Ундан воз кечишади.

19:45 *савдо–сотиқ қилаётганлар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *сотувчилар ва харид қилувчилар*.

19:46 Ишаё 56:7 га қаранг.

19:46 *қароқчилар уяси* — Еремиё 7:11 га қаранг.

20:17 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

20:17 Забур 117:22 га қаранг.

20:18 *бу тамал тоши* — Исо бу сўзни рамзий маънода ишлатган бўлиб, Ўзини назарда тутган.

20:22 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон. Бу ўринда Қайсар Тиберийга ишора қилинган (3:1 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

20:22 *...Қайсарга солиқ тўлашимиз...* — яҳудийлар Рим босқинчиларидан ғоят нафратланганлари учун, уларга солиқ тўлашни асло истамас эдилар. Бироқ солиқ тўламаслик катта муаммоларни келтириб чиқарар эди.

20:23 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Нега Мени синаб кўрмоқчисизлар?!*

20:24 *динор* — Рим кумуш тангаси. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

20:27 *Саддуқийлар* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлардан фарқли равишда, улар оғзаки тарқалган урф–одатларни қабул қилмасдилар, балки фақатгина Тавротда ёзилган қонун–қоидаларга риоя қилардилар. Улар ўликларнинг тирилишига ҳам ишонмас эдилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САДДУҚИЙ сўзига қаранг.

20:28 *Мусо бизга шундай ёзиб қолдирган* — Қонунлар 25:5-6 га қаранг.

20:37 *...ёнаётган бута тўғрисидаги воқеада...* — Чиқиш 3:1-6 га қаранг.

20:41 *Довуднинг Ўғли* — 18:38 изоҳига қаранг.

20:42-43 *Менинг ўнг томоним* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

20:42-43 Забур 109:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

21:2 *икки чақа* — юнонча матнда *икки лептон*, ўша даврда ишлатилган қиймати энг паст танга.

21:6 *...сиз кўриб турганларнинг ҳаммаси вайрон бўлади* — милодий 70 йилда Тит бошчилигида Рим қўшини Қуддусни ва у ердаги Маъбадни бутунлай вайрон қилган.

21:27 *Инсон Ўғли...булутларда келади* — Дониёр 7:13-14 га қаранг.

21:37 *Зайтун тоғи* — 19:29 изоҳига қаранг.

22:1 *Хамиртурушсиз нон байрами...Фисиҳ...* — 2:41 изоҳига қаранг.

22:4 *Маъбад миршаббошилари* — Маъбадни қўриқлаш ва у ерда тартиб сақлаш учун масъул бўлган яҳудий ҳарбийлари.

22:20 *янги аҳд* — Исо Масиҳ бутун одамзоднинг гуноҳини Ўз бўйнига олиб, хочда ўлди. Шу орқали янги аҳдни кучга киритди (Ибронийлар 8:6-13, 9:11-17 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги АҲД сўзига қаранг.

22:31 *Шимўн* — Бутрус исми билан ҳам танилган, Бутрус исмини унга Исо қўйган эди (6:14 га қаранг).

22:31 *...буғдойни ғалвирдан ўтказишгандай, шайтон сизларни синовдан*

ўтказишга изн талаб қилди — буғдойни янчгандан кейин, тозалаш учун одатда уни ғалвирдан ўтказишади. Бу ўринда мазкур ибора синов маъносида келган. Шайтон Исонинг шогирдларини синамоқчи бўлиб, уларнинг Исодан юз ўгириши ёки Унга содиқ қолишини билмоқчи эди. Худди шу сингари, қадимда Худо шайтонга Аюбни синаш учун изн берган эди (Аюб 1:6-2:10 га қаранг).

22:35 *Мен сизларни…юборганимда…* — 10:1-12 га қаранг.

22:36 *…ҳамён…тўрва…қилич…* — хатарли сафарга отланган одам одатда ўзи билан ҳамён, тўрва ва қилични оларди. Булар рамзий маънода ишлатилган бўлиб, Исонинг ва шогирдларининг бошига тушадиган синовлар даврини билдиради. Исо бу сўзларни кўчма маънода ишлатганини тушунмаган шогирдлар жанг қилишга тайёрланган эдилар (шу бобнинг 38, 49-51–оятларига қаранг).

22:37 Ишаё 53:12 га қаранг.

22:39 *Зайтун тоғи* — 19:29 изоҳига қаранг.

22:40 *Васвасага тушиб қолмайлик, деб ибодат қилинглар…* — Исо Ўз шогирдларини ҳадемай синов пайти бошланиши ҳақида огоҳлантиряпти (шу бобнинг 22-23, 31-36–оятларига, 31–оятнинг иккинчи изоҳига ва 36–оятнинг изоҳига қаранг). Ўша пайтда улар васвасага тушиб, Исо Масиҳдан юз ўгиришлари мумкин эди.

22:42 *бу азоб косаси* — юнонча матнда *бу коса*, Исонинг азоблари ва хочдаги ўлимига ишора (18:31-32 га ва шу бобнинг 14-22–оятларига қаранг). “Косадан ичмоқ” ибораси азоб–уқубат тортиб, жазо олиш маъносини билдиради (мисол учун, Забур 74:9, Ишаё 51:17, Еремиё 25:15 га қаранг).

22:43-44 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида шу бобнинг 43-44–оятлари йўқ.

22:47 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Чунки у: “Мен кимни ўпсам, У Ўша кишидир”, деб ёнидагиларига айтиб қўйган эди*.

22:52 *Маъбад миршаббошилари* — шу бобнинг 4–ояти изоҳига қаранг.

22:54 *олий руҳоний* — 3:2 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

22:59 *Ахир, у ҳам Жалилалик–ку!* — буни Бутруснинг шевасидан пайқаб олишган эди (Матто 26:73 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

22:66 *Олий кенгаш* — яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОЛИЙ КЕНГАШ иборасига қаранг.

22:68 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Мени озод ҳам қилмайсизлар*.

22:69 *…Қодир Худонинг ўнг томонида ўтиради* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

22:70 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

23:1 *ҳоким Пилат* — 3:1 га ва ўша оятнинг учинчи изоҳига қаранг.

23:2 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон. Бу ўринда Қайсар Тиберийга ишора қилинган (3:1 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг).

23:5 *Яҳудия* — 6:17 изоҳига қаранг.

23:7 *Ҳирод* — 3:1 га ва ўша оятнинг тўртинчи изоҳига қаранг.

23:16-17 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 17–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Одатга кўра, ҳар Фисиҳ байрамида Пилат бир яҳудий маҳбусни озод қилар эди*. Яна Марк 15:6 га қаранг.

23:19 *исён* — юз берган бу ҳодиса китоб ёзилган даврда яшаган одамларга маълум бўлган. Ҳозирги даврда бу исён ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

23:26 *Киринея* — бу шаҳар Ўрта ер денгизи бўйида, ҳозирги Ливия мамлакатининг ҳудудида жойлашган эди.

23:26 *хоч* — бу ўринда хочнинг кўндаланг ёғочига ишора қилинган. Ўлимга маҳкум қилинган инсон бу ёғочни ҳукм ижро қилинадиган жойгача ўзи кўтариб бориши керак эди. Бундан олдин Исони аёвсиз қамчилашгани учун (Матто 27:26, Марк 15:15, Юҳанно 19:1), У шу қадар ҳолдан тойган эдики, эҳтимол, хочни Ўзи кўтаришга мадори қолмаган бўлса керак.

23:30 Хўшея 10:8 га қаранг. Яна Ваҳий 6:15-17 га қаранг.

23:34 *Исо…деди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида бу гап йўқ.

23:34 *…қуръа ташлаб, Исонинг кийимларини бўлишиб олдилар* — Забур 21:19 га қаранг.

23:36 *арзон шароб* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз авом халқ кунда ичадиган нордон шаробга ишора қилади. Бу шароб Рим аскарлари учун ўша ерга олиб келинган бўлиши мумкин.

23:38 *Исонинг бош томонида…ёзув бор эди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исонинг бош томонида юнон, лотин ва орамий тилларида…ёзув бор эди*.

23:42 *Исо* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Раббим Исо*.

23:44-45 *Туш пайти…соат уч…* — юнонча матнда *Олтинчи соат…тўққизинчи соат…*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайтлари ўша соатлар билан белгиланар эди.

23:44-45 *Маъбаддаги парда* — шоҳ Ҳирод қайта қурган Маъбадда иккита парда бор эди. Парданинг бири Маъбаднинг кираверишида осилган, иккинчиси эса Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан ажратиб турар эди. Бу оятда Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан ажратиб турадиган парда назарда тутилган. Маъбаддаги парданинг йиртилиши Исо туфайли одамларга Худонинг ҳузурига йўл очилганидан далолат беради (Юҳанно 4:19-24, Ибронийлар 9:1-10, 10:19-22 га қаранг).

23:46 *Руҳимни Сенинг қўлларингга топширяпман* — Забур 30:6 га қаранг.

23:51 *Ариматея шаҳри* — Қуддусдан 35 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

23:54 *…Шаббат куни бошланишига оз қолганди* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди. Жума куни тугаётгани учун, қоидага кўра, аёллар Шаббат куни ўтгандан кейингина жасадга хушбўй мойлар суртиб, уни мумиёласа бўлар эди.

23:56 *…жасадга суртиш учун хушбўй мойлар ва атирлар тайёрладилар* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, жасад дафн қилинишдан олдин унга хушбўй ҳидли зираворлар ва мойлар суртилар эди.

24:1 *тайёрлаб қўйган хушбўй мойлари* — 23:56 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

24:1 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга

қўшимча қилинган: *Улар билан бошқа бир неча аёл ҳам бор эди*.

24:7 *У сизга…деган эди–ку* — 18:31-33 га қаранг.

24:10 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

24:13 *ўн чақирим* — юнонча матнда *олтмиш стадион*, тахминан 11 километрга тўғри келади. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бир юз олтмиш стадион*, тахминан 30 километрга тўғри келади.

24:17 *Улар тўхтаб қолдилар, юзлари ғамгин эди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Нега юзларингиз ғамгин?*

24:27 *…Мусодан тортиб, барча Пайғамбарлар битиклари…* — Эски Аҳд китоблари тўпламига ишора (шу бобнинг 44–ояти изоҳига қаранг).

24:34 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн*, Бутруснинг яна бир исми (6:14 га қаранг).

24:42 *бир бўлак қовурилган балиқ* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бир бўлак қовурилган балиқ ва бир оз мумли асал*.

24:44 *…Таврот…Пайғамбарлар битиклари…Забур…* — одатда яҳудийлар, Эски Аҳд тўплами уч қисмдан иборат, деб айтадилар. Бу уч қисм қуйидагилардир: Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади), Пайғамбарлар битиклари (унинг таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) ва Битиклар (Забур бу қисмнинг биринчи китобидир). Яҳудийлар баъзан дастлабки икки қисм “Таврот ва Пайғамбарлар битиклари” деганда бутун Эски Аҳд тўпламини назарда тутадилар (мисол учун, шу бобнинг 27–оятига қаранг).

24:49 *Мен сизларга осмондаги Отам ваъда қилган Муқаддас Руҳни юбораман* — 3:16, 11:13 га ва Ҳаворийлар 2:1-21 га қаранг.

24:50 *Байтания* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонида жойлашган қишлоқ.

24:53 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ЮҲАННО
БАЁН ЭТГАН МУҚАДДАС ХУШХАБАР

Кириш

Мазкур китоб Янги Аҳд таркибидаги тўртта Хушхабарнинг тўртинчисидир. Китобнинг муаллифи Забадиёнинг ўғли балиқчи Юҳаннодир. Юҳанно, Бутрус ва Юҳаннонинг акаси Ёқуб Исо Масиҳнинг энг яқин шогирдлари ҳисобланади. Юҳанно бу китобда ўз исмини ишлатмай, ўзини Исо Масиҳнинг севикли шогирди деб тилга олади (масалан, 13:23 га қаранг).

Мазкур китоб замирида Исо Масиҳнинг шахсияти, илоҳий Калом инсон бўлиб келгани, Масиҳнинг Ўз самовий Отаси — Худо билан бўлган муносабати ва Исо Масиҳга эътиқод қилиш каби мавзулар ётади. Исо Масиҳ одамларга Ўзининг кимлигини тушунтирмоқчи бўлиб, турли образлардан фойдаланади. У Ўзини “ҳаёт нони”, “ҳаётбахш сув манбаи”, “оламнинг нури”, “яхши чўпон”, “йўл, ҳақиқат ва ҳаёт”, “ҳақиқий ток” ва “одамларни охиратда тирилтирувчи, уларга ҳаёт берувчи Зот” деб атайди.

Бу Хушхабар нима мақсадда ёзилгани 20:31 да айтиб ўтилган: “Токи сизлар Исонинг Масиҳ, Худонинг Ўғли* эканлигига ишониб, бу имонингиз туфайли ҳаётга эга бўлинглар.” Муаллиф Исонинг таълимотини қизиқарли мантиқий мулоҳазалар орқали тақдим этади, у нур ва зулмат, имон ва имонсизлик, севги ва нафрат, осмон ва бу дунё борасида сўз юритади.

Ушбу китоб азалдан мавжуд бўлган Калом ҳақидаги маълумот билан бошланади. Илоҳий Калом дунё яратилишидан олдин мавжуд бўлган. Нимаики яратилган бўлса, ўша Калом орқали вужудга келган. Худонинг Каломи инсон бўлиб туғилди, У Исо Масиҳ эди. Исо Масиҳ зулматга ғарқ бўлган бу дунёга ҳаёт нурини олиб келди. Масиҳга ишонган ҳар бир киши самовий Отани таниб олади ва абадий ҳаётдан баҳраманд бўлади.

Китобнинг биринчи қисмидан (1-12–боблар) Исонинг қилган мўъжизалари ўрин олган, муаллиф Исони Худонинг Ўғли, Худо ваъда қилган Нажоткор эканлигини эътироф этади. Кўп одамлар Исога ишониб, Унга эргашадилар. Баъзилар эса Унга қарши бўладилар.

Китобнинг 13-17–бобларида Исонинг Ўз шогирдларига қилган ғамхўрлигига, Устоз ва шогирдлари орасидаги муносабатга эътибор берилади. Исо хочдаги ўлимидан олдин, Қутлуғ зиёфатда шогирдларини огоҳлантириб, яқинлашаётган фожиадан қўрқмасликларини айтади ва уларга далда беради.

Исонинг ҳибсга олиниши, калтакланиши, ўлдирилиши ва тирилиши ҳақидаги ҳодисалар китобнинг сўнгги қисмидан ўрин олган (18-21–боблар). Исо тирилгандан кейин бир неча марта шогирдларига зоҳир бўлгани ҳақидаги воқеалар китобга якун ясайди.

1–БОБ

Калом ва Нур

1 Азалда Калом* бор эди.
Калом Худо билан бирга эди,
Калом Худо эди.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

2 Азалда У Худо билан бирга эди.

3 Бутун борлиқ Калом орқали яратилган*,
Усиз яратилган бирон нарса мавжуд эмас.

4 Калом ҳаёт манбаи эди,
Бу ҳаёт инсонларнинг Нури эди.
5 Нур зулматда порлайди,
Ахир, зулмат Нурни енголмади.

6 Худо Яҳё исмли бир одамни юборди. 7 Яҳё Нур ҳақида шаҳодат қилгани келган эди, токи ҳамма унинг шаҳодати орқали имон келтирсин. 8 Яҳёнинг ўзи Нур эмас эди, у фақат Нур ҳақида шаҳодат қилгани келганди. 9 Ҳар бир одамни ёритадиган ҳақиқий Нур дунёга келаётган эди*.

10 Ҳа, Калом дунёда эди,
Дунё У орқали яратилганди,
Бироқ дунё Уни танимади.
11 У Ўз юртига келди,
Лекин Ўз халқи Уни қабул қилмади.
12 Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига,
Унга имон келтирганларга,
У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди.
13 Улар тана хоҳишидан эмас,
Эр хоҳишидан ҳам эмас,
Табиий йўл билан эмас*,
Балки Худодан туғилган фарзандлардир.

14 Калом инсон бўлди,
Орамизда яшади*.
У иноят ва ҳақиқатга тўлганди.
Биз эса Унинг улуғворлигини кўрдик.
Бу улуғворлик Отадан* келган ягона Ўғилга* мансуб эди.

15 Яҳё У ҳақда гувоҳлик бериб, баланд овозда деди: “Менинг кетимдан келаётган Зот мендан улуғдир, чунки У мендан олдин мавжуд бўлган, деб мана шу Киши ҳақида айтган эдим.”

16 Унинг чексиз иноятидан туфайли
Биз ҳаммамиз барака устига барака олдик.
17 Худо қонунни Мусо орқали берди,
Иноят ва ҳақиқатни эса
У Исо Масиҳ орқали кўрсатди.
18 Ҳеч ким ҳеч қачон Худони кўрган эмас,
Самовий Отанинг бағридаги,
Аслида Худо бўлган ягона Ўғил*
Уни бизга танитди.

Яҳё чўмдирувчининг гувоҳлиги

19-20 Қуддусдаги яҳудийлар Яҳёнинг олдига руҳонийларни* ва левиларни* юбордилар. Улар келиб, Яҳёдан:

— Сен кимсан? — деб сўрадилар. Яҳё жавоб беришдан бош тортмади. У шаҳодат бериб, очиқ–ойдин:

— Мен Масиҳ* эмасман, — деб айтди. 21 Яна ундан:

— Бўлмаса кимсан? Илёсмисан?* — деб сўрадилар.

— Йўқ! — деди у.

— Биз кутаётган пайғамбармисан?* — деб савол бердилар. У яна:

— Йўқ! — деб жавоб берди.

22 — Унда кимсан? Бизни юборганларга жавоб беришимиз керак. Сен ўзинг ҳақингда нима дейсан? — деб сўрадилар.

23 — Ишаё пайғамбар айтганидай*: “Эгамизга тўғри йўл очинг”, деб чўлда янграётган овоз менман, — деди Яҳё.

24 Фарзийлар* томонидан юборилган бу одамлар* 25 Яҳёга дедилар:

— Модомики, сен Масиҳ ҳам, Илёс ҳам, биз кутган пайғамбар ҳам эмас экансан, нега халқни сувга чўмдириб юрибсан?

26 Яҳё уларга жавобан шундай деди:

— Мен одамларни сувга чўмдиряпман, холос. Лекин орангизда сизлар танимайдиган бир Зот бор. 27 У менинг ортимдан келяпти*, шундай бўлса–да, мен Унинг чориқ ипларини ечишга ҳам арзимайман.

28 Бу ҳодиса Иордан дарёсининг шарқий қирғоғидаги Байтания* қишлоғида юз берган эди. Яҳё ўша ерда одамларни сувга чўмдириб юрарди.

Исо — Худонинг қурбонлик Қўзиси

29 Эртаси куни Яҳё Исонинг яқинлашиб келаётганини кўриб, шундай деди:

— Ана, Худонинг Қўзиси! У дунёни гуноҳдан поклайди! 30 Мен ана шу Киши ҳақида: “Менинг кетимдан келаётган Зот мендан улуғдир, чунки У мендан олдин мавжуд бўлган”, деб айтган эдим. 31 Мен Унинг кимлигини билмас эдим. Лекин Уни Исроил халқига танитиш мақсадида, мен одамларни сувга чўмдиргани келдим.

32 Яҳё яна шундай шаҳодат берди:

— Мен Руҳнинг осмондан каптардай учиб келганини ва Унинг устига қўнганини кўрдим. 33 Ўша пайтгача мен Унинг кимлигини билмас эдим. Лекин “Одамларни сувга чўмдирасан”, деб мени юборган Худо менга шундай деган эди: “Муқаддас Руҳ кимнинг устига тушиб қўнганини кўрсанг, билки, Муқаддас Руҳга Чўмдирувчи Ўшадир.” 34 Мен буни кўрдим ва сизларга: “Бу Худонинг Ўғлидир*”, деб айтяпман.

Исонинг дастлабки шогирдлари

35 Эртаси куни Яҳё шогирдларининг иккитаси билан яна кечаги жойда эди. 36 У ўтиб кетаётган Исога қараб:

— Ана, Худонинг Қўзиси! — деди.

37 Иккала шогирд Яҳёнинг бу сўзларини эшитиб, Исонинг орқасидан эргашиб боришди. 38 Исо ўгирилиб, уларнинг эргашиб келаётганини кўрди–да, улардан:

— Сизларга бирон нарса керакми? — деб сўради.

— Раввий*, Сиз қаерда турасиз? — дейишди улар. (Раввий “устоз” демакдир.)

39 — Юринглар, кўрасизлар, — деди Исо.

Улар бориб, Исонинг турар жойини кўрганларида, соат тўрт* бўлиб қолган эди. Шунинг учун улар ўша куни Исо билан қолишди. 40 Яҳёдан Исо ҳақида эшитиб, Унга эргашганлардан бири Эндрус эди. Эндрус Шимўннинг* укаси эди. 41 У дарров акаси Шимўнни топди–да, унга:

— Биз Масиҳни топдик, — деди. (Масиҳ “Худонинг танлагани” демакдир.)

42 Эндрус акасини Исонинг олдига олиб келди. Исо унга қараб:
— Сен Юҳанно* ўғли Шимўнсан. Сенинг исминг Кифас* бўлади, — деди.
(Кифас юнончада Бутрус, яъни “тош” демакдир.)
43 Эртаси куни Исо Жалила ҳудудига бормоқчи бўлди. У Филипни учратиб, унга:
— Ортимдан юр! — деди.
44 Филип Байтсайда шаҳридан бўлиб, Эндрус ва Бутруснинг ҳамшаҳари эди.
45 Филип Натанилни* топиб, унга деди:
— Мусо Таврот китобида, бошқа пайғамбарлар ҳам ўзларининг битикларида* бир Зот тўғрисида ёзишган эди. Биз ўша Зотни топдик. У Носира шаҳридан, Юсуф ўғли Исо экан!
46 — Носира шаҳридан? У ердан бирон яхшилик чиқармиди?! — деди Натанил унга.
— Юр, кўрасан! — деди унга Филип.
47 Исо яқинлашиб келаётган Натанилни кўриб, у ҳақда шундай деди:
— Ана Исроилнинг ҳақиқий авлоди. У ҳийла деган нарсани билмайди*.
48 Натанил Исодан сўради:
— Сиз мени қаердан танийсиз?
— Филип сени чақирмасдан олдин, сен анжир дарахтининг тагида эдинг. Мен сени ўша ерда кўрган эдим, — деб жавоб берди Исо. 49 Шунда Натанил деди:
— Устоз, Сиз Худонинг Ўғлисиз! Исроилнинг Шоҳисиз!
50 Исо унга жавобан деди:
— Мен сенга: “Сени анжир дарахти тагида кўрдим” деганим учунгина ишоняпсан. Сен бундан ҳам буюк ишларни кўрасан!
51 Сўнг яна шундай деб қўшиб қўйди:
— Сизларга чинини айтайин: сизлар осмон очилганини ва Худонинг фаришталари Инсон Ўғли* олдига тушиб–чиқаётганини кўрасизлар*.

2–БОБ

Исонинг дастлабки мўъжизаси

1 Икки кундан кейин Жалиладаги Каъна қишлоғида никоҳ тўйи бўлди. Исонинг онаси ўша ерда эди. 2 Исо билан шогирдлари ҳам тўйга таклиф қилинган эдилар.
3 Шароб тугай деб қолганда, онаси Исога:
— Уларда шароб қолмабди, — деди.
4 — Бунинг Менга нима дахли бор?! Менинг вақт–соатим ҳали келгани йўқ, — деди Исо. 5 Шунда онаси хизматкорларга:
— У сизларга нима деса, шуни қилинглар, — деди.
6 Ўша ерда яҳудийларнинг покланиш маросимларида ишлатиладиган олтита тош хум бор эди. Ҳар бир хум ичига ўн–ўн икки челак* сув сиғарди.
7 Исо хизматкорларга:
— Хумларни сувга тўлдиринглар, — деди. Улар хумларни лиммо–лим қилиб сувга тўлдиришди. 8 Исо уларга:
— Энди хумдаги сувдан озгина олиб, тўйбошига олиб боринглар, — деди. Улар олиб боришди.
9 Тўйбоши шаробга айланган сувни татиб кўрди. Бу шаробнинг қаердан келганлигини у билмас эди, фақат олиб келган хизматкорлар билишар эди. Тўйбоши куёвни чақиртириб, 10 унга деди:

— Дастурхонга аввал яхши шароб тортилади. Меҳмонлар ичиб тўйганларидан кейин, ёмонроғи тортилади. Сен эса яхши шаробни шу пайтгача сақлаб келибсан!
11 Бу Исонинг қилган биринчи мўъжизаси эди. Исо бу мўъжизали аломатни Жалиладаги Каъна қишлоғида намойиш этиб, Ўзининг улуғворлигини зоҳир қилди. Шогирдлари Унга ишондилар.
12 Шундан кейин Исо, онаси, укалари ва шогирдлари Кафарнаҳум шаҳрига бордилар ва у ерда бир неча кун турдилар.

Исо савдогарларни Маъбаддан қувади

13 Яҳудийларнинг Фисиҳ байрами* яқинлашиб қолгани учун Исо Қуддус шаҳрига борди. 14 Маъбад ҳовлисига кирганда, у ерда мол–қўй, каптар сотаётганларни ва хонтахталар ёнида ўтирган саррофларни* кўрди. 15 Исо арқондан қамчи ясади–да, Маъбаддан ҳаммани мол–қўйлари билан бирга қувиб чиқарди. Саррофларнинг хонтахталарини ағдариб, пулларини сочиб юборди.
16 Каптар сотувчиларга:
— Буларни йўқотинглар бу ердан! Отамнинг уйини бозор қилманглар! — деди. 17 Шунда Унинг шогирдлари Муқаддас битиклардаги: “Сенинг уйингга бўлган севгим ичимни ёндирар”* деган сўзларни эсладилар.
18 — Бундай қилишга нима ҳақинг бор?! Борди–ю, ҳақинг бўлса, бирорта аломат кўрсатиб, буни исботла! — деб талаб қила бошлади яҳудийлар.
19 Исо шундай жавоб берди:
— Мана бу Маъбадни бузинглар, Мен уч кун ичида уни тиклайман.
20 Бунга жавобан яҳудийлар дедилар:
— Бу Маъбад қирқ олти йилдан бери қуриляпти*, Сен эса уни уч кунда тикламоқчимисан–а?!
21 Ҳолбуки, Исо Маъбад деб Ўзининг баданини назарда тутган эди. 22 Исо ўлиб тирилгандан кейин, шогирдлари Унинг бу гапини эсладилар. Шунда Муқаддас битикларга ва Исонинг сўзларига ишондилар.
23 Исо Қуддусда Фисиҳ байрамида бўлганда, кўп одамлар Унинг қилаётган мўъжизали аломатларини кўриб, Унга имон келтирдилар. 24 Аммо Исо одамларнинг қанақалигини билгани учун Ўзини уларга ишонмас эди. 25 Инсон ҳақида Унга бирон гап айтишнинг ҳожати йўқ эди. Чунки инсон дилида нима борлигини У билар эди.

3–БОБ

Исо ва Никодим

1 Яҳудий йўлбошчиларидан Никодим исмли бир одам бор эди, у фарзийлар мазҳабида эди. 2 Бу одам бир куни кечаси Исонинг олдига келиб, Унга деди:
— Устоз, Сиз Худодан келган бир муаллим эканлигингизни биз биламиз. Агар Худо Сиз билан бўлмаганда эди, Сиз бундай мўъжизали аломатларни қила олмас эдингиз.
3 Исо унга шундай жавоб берди:
— Сизга чинини айтай: қайтадан* туғилмаган бирорта одам Худонинг Шоҳлигини* кўролмайди.
4 — Кекса одам туғила олармиди?! У онасининг қорнига қайта кириб, яна туғила олмайди–ку! — деди Никодим. 5 Исо шундай жавоб берди:
— Сизга чинини айтай: сувдан ва Руҳдан туғилмаган бирорта одам Худонинг Шоҳлигига киролмайди. 6 Одам жисмонан ота–онадан туғилади, руҳан эса Муқаддас Руҳдан туғилади. 7 “Сизлар қайтадан туғилишингиз керак” деганимга

таажжубланманг. 8 Руҳ худди шамолга ўхшайди. Шамол истаган жойда эсаверади. Унинг товушини эшитасиз–у, лекин қайси томондан келиб, қайси томонга кетишини билмайсиз. Руҳдан туғилган ҳар бир кишида ҳам шундай бўлади.

9 — Бу қандай бўлиши мумкин? — деб сўради Никодим. 10 Исо унга шундай жавоб берди:

— Сиз Исроилнинг устозисиз–ку! Наҳотки шуни билмасангиз?! 11 Сизга чинини айтай: биз билганимизни сўзлаймиз, кўрганимиз ҳақида шаҳодат берамиз. Лекин сизлар бизнинг шаҳодатимизни қабул қилмаяпсизлар. 12 Агар сизлар ердаги нарсалар ҳақида айтганларимга ишонмасангизлар, самовий нарсалар тўғрисида гапирганларимга қандай ишонасизлар? 13 Осмондан тушган* Инсон Ўғлидан бошқа ҳеч ким осмонга чиққан эмас. 14 Мусо саҳрода бронза илонни* ходага маҳкамлаб, қандай юқорига кўтарган бўлса, Инсон Ўғли ҳам худди шундай юқорига кўтарилиши керак*. 15 Шу тариқа имонга келган ҳар бир киши У орқали абадий ҳаётга эга бўлади*.

16 Зеро*, Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин. 17 Худо дунёни ҳукм қилиш учун эмас, балки Ўғли орқали қутқариш учун Уни дунёга юборди. 18 Унга ишонган одам ҳукм қилинмайди. Унга ишонмаган одам эса аллақачон маҳкум бўлган, чунки у Худонинг ягона Ўғлига ишонмади.

19 Ҳукм шундай далилга асосланган: дунёга нур келди, аммо одамлар нурдан кўра, зулматни яхши кўрдилар, чунки уларнинг қилмишлари ёвуз эди. 20 Қабиҳлик қилган одам нурдан нафратланади. Қилмишлари фош бўлмаслиги учун у нурдан қочади. 21 Ҳақиқат йўлини тутган одам эса нурга келади. Бундай одамнинг ишлари Худо орқали қилинганлигини нур ҳаммага аён қилади.

Яҳё чўмдирувчи Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик беради

22 Шундан кейин Исо шогирдлари билан Яҳудия ўлкасига борди. Исо улар билан бир қанча вақт у ерда қолиб, одамларни сувга чўмдирди. 23 Яҳё ҳам Салейм деган жойнинг яқинидаги Эйнон ерида* халқни сувга чўмдирарди. У ер ниҳоятда серсув эди. Одамлар доим Яҳёнинг олдига келиб, сувга чўмдириларди. 24 Бу ҳодисалар Яҳё зиндонга ташланишдан* олдин юз берган эди.

25 Шу маҳал Яҳёнинг шогирдлари билан бир яҳудий киши орасида таҳорат ҳақида баҳс бўлди. 26 Улар Яҳёнинг олдига бориб дедилар:

— Устоз! Иордан дарёсининг шарқий қирғоғида ёнингиздаги бир Одам ҳақида гувоҳлик берган эдингиз–ку, ўша Одам халқни сувга чўмдириб юрибди, ҳамма Унинг олдига боряпти.

27 Бунга жавобан Яҳё деди:

— Агар осмондан берилмаса, инсон ҳеч нарса қила олмайди. 28 “Мен Масиҳ эмасман, фақат Унинг олдидан юборилганман”, деб айтган сўзларимга ўзларингиз гувоҳсизлар. 29 Келин куёвга тегишлидир. Куёв жўра эса куёв ёнида туриб, унинг овозини эшитганидан севиниб хурсанд бўлади. Худди шундай мен ҳам бугун бениҳоят шодман. 30 Масиҳ юксалиши, мен эса пасайишим керак.

31 Юқоридан* келган Зот ҳаммадан устундир. Ердан бўлган одам ерга мансубдир ва ерга хос масалалар тўғрисида гапиради. Осмондан Келган эса ҳаммадан устундир. 32 У кўргани ва эшитгани ҳақида гувоҳлик беради, аммо ҳеч ким Унинг гувоҳлигини қабул қилмайди. 33 Унинг гувоҳлигини қабул қилган киши эса Худонинг ҳақлигини тасдиқлайди. 34 Худо юборган Зот Худонинг сўзларини гапиради. Зеро, Худо Ўз Руҳини Унга чексиз–ўлчовсиз беради. 35 Ота Ўғлини яхши кўради, У ҳамма нарсани Ўғлининг қўлига топширган. 36 Худонинг Ўғлига* ишонган ҳар бир одам абадий ҳаётга эга бўлади. Ўғилни рад этган одам

эса ҳаёт кўрмай, Худонинг ғазаби остида қолади.

4–БОБ

Исо ва Самариялик аёл

1-3 Исо Яҳёдан кўра, кўпроқ шогирд орттириб, сувга чўмдиряпти деган хабар фарзийларнинг қулоғига етиб борди. Ваҳоланки, халқни Исонинг Ўзи эмас, шогирдлари сувга чўмдираётган эдилар. Бу хабар фарзийларнинг қулоғига етиб борганини Исо эшитгач, Яҳудияни тарк этиб, яна Жалилага йўл олди. 4 Йўлда У Самариядан ўтиши керак эди. 5 Шундай қилиб, У Самариянинг Сихар деган шаҳрига келди. Бу шаҳар Ёқуб* ўз ўғли Юсуфга берган ерга яқин эди. 6 Ёқубнинг қудуғи ҳам ўша ерда эди.

Йўл юриб чарчаган Исо қудуқнинг ёнига ўтирди. Тахминан туш пайти* эди. 7 Шу вақт Самариялик бир аёл сув олгани келиб қолди. Исо унга:

— Менга ичгани сув бер, — деди. 8 Исонинг шогирдлари эса овқат сотиб олиш учун шаҳарга кетган эдилар.

9 Самариялик аёл Унга шундай деди:

— Сиз яҳудий бўлсангиз, мен эса Самариялик аёл бўлсам, қандай қилиб мендан сув сўрашга журъат этдингиз?!*

Нега десангиз, яҳудийлар Самарияликлар билан алоқа қилмайдилар.

10 Исо аёлга деди:

— Худо сенга қандай инъом бермоқчи эканлигини ва сендан сув сўраган Одам ким эканлигини сен билмайсан. Билганингда эди, ўзинг Ундан сув сўраган бўлар эдинг ва У сенга ҳаётбахш сувни берган бўларди.

11 — Тақсир! — деди аёл, — Сизда сув оладиган ҳеч нарсангиз йўқ–ку, қудуқ эса чуқур. Ҳаётбахш сувингизни қаердан оласиз? 12 Бу қудуқни бизга бобокалонимиз Ёқуб берган. Унинг ўзи ҳам, болалари ҳам, чорваси ҳам бу қудуқдан сув ичган. Наҳотки Сиз Ёқубдан ҳам устун бўлсангиз?!

13 Исо аёлга шундай жавоб берди:

— Бу сувдан ким ичса, яна чанқаб қолади. 14 Лекин Мен берадиган сувдан ким ичса, абадий чанқамайди. Мен берадиган сув ўша одамнинг вужудида булоққа айланиб, то абад ҳаёт сари жўшиб оқади.

15 — Тақсир, бу сувдан менга ҳам беринг. Мен ҳам ҳеч қачон чанқамайин, сув олгани бу ерга келавермайин, — деди аёл.

16 — Бориб, эрингни бу ерга чақириб кел, — деди Исо.

17 — Менинг эрим йўқ, — деди аёл.

— Эрим йўқ, деб сен тўғрисини айтдинг, — деди Исо. 18 — Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Сен тўғрисини айтдинг!

19 — Ҳазрат*, Сиз пайғамбар эканингизни кўриб турибман, — деди аёл. 20 — Ота–боболаримиз Худога бу тоғда* сажда қилар эдилар. Аммо сизлар — яҳудийлар эса Худога сажда қилинадиган жой Қуддусда, дейсизлар.

21 Исо унга деди:

— Эй аёл, Менга ишонгин, шундай вақт келадики, ўшанда осмондаги Отага на бу тоғда, на Қуддусда сажда қиласизлар. 22 Сизлар — Самарияликлар кимга сажда қилаётганингизни билмайсизлар*, биз эса кимга сажда қилаётганимизни биламиз. Чунки нажот яҳудийлардан келади. 23 Аммо шундай вақтлар келадики, ҳақиқий сажда қилувчилар Отага Руҳда ва ҳақиқатда сажда қиладилар. Бундай вақт келди ҳам! Ота шу йўсинда Ўзига сажда қилувчиларни излайди. 24 Худо Руҳдир, Унга сажда қилувчилар ҳам Муқаддас Руҳ бошчилигида, ҳақиқатни

билган ҳолда сажда қилишлари лозим.
25 Аёл Исога:
— Мен Масиҳ келишини биламан. У келганда, ҳамма нарсани бизга тушунтиради, — деди. (Масиҳ “Худонинг танлагани” демакдир.)
26 Исо аёлга деди:
— Ўша Менман. Сен билан гаплашиб турибман.
27 Шу пайтда Исонинг шогирдлари келиб қолишди. Унинг бир аёл билан гаплашаётганини кўриб ҳайрон бўлишди. Лекин бирортаси ҳам: “Нима хоҳлайсиз?” ёки: “Нимага бу аёл билан гаплашяпсиз?” деб сўрамади.
28 Аёл кўзасини ўша ерда қолдирди–да, шаҳарга бориб, одамларга деди:
29 — Юринглар, бир Одамни кўринглар. У менинг қилган ҳамма ишларимни айтиб берди! Ўша Масиҳ эмасмикин?
30 Одамлар шаҳардан чиқиб, Исонинг олдига бордилар.
31 Шу орада шогирдлари Исога:
— Устоз, овқат еб олинг, — деб таклиф қилдилар. 32 Аммо Исо уларга деди:
— Менинг ейдиган овқатим бор, сизлар бу овқат тўғрисида билмайсизлар.
33 Шогирдлари ўзаро гаплашиб: “Бирон киши Унга овқат келтирганмикин?” деб айтишарди. 34 Исо уларга деди:
— Менинг овқатим — Мени Юборганнинг иродасини адо этиш, Унинг ишини тугатишдир. 35 Сизлар: “Экинлар тўрт ойда етилади” деган иборани ишлатасизлар. Мен эса сизларга айтаман: кўзларингизни очинглар! Экинзорларга қаранглар! Ҳосил етилган, ўрим–йиғимга тайёр бўлган. 36 Ўроқчи ҳозирдан яхши даромад олмоқда, абадий ҳаёт учун ҳосил йиғмоқда. Токи ҳосилни эккан ва ўрган бирга қувонишсин. 37 “Бири экади, бошқаси ўради” деган мақол шу вазиятга тўғри келади. 38 Мен сизларни ўзингиз меҳнат қилиб экмаган ҳосилни ўргани юбордим. Бошқалар меҳнат қилган эдилар, сизлар эса уларнинг меҳнатидан фойдаланасизлар.
39 Шундан кейин ўша шаҳарда яшовчи талай Самарияликлар Исога имон келтиришди. Улар ҳалиги аёлнинг “У менинг қилган ҳамма ишларимни айтиб берди” деган гувоҳлигига ишонган эдилар. 40 Шундай қилиб, Самарияликлар Исонинг олдига келиб: “Биз билан қолинг”, деб Исога ёлворишди. Исо икки кун ўша ерда қолди. 41 Исонинг айтган сўзлари туфайли кўп одамлар имон келтирди.
42 Шунда улар аёлга дедилар:
— Энди сенинг сўзларинг туфайлигина ишонаётганимиз йўқ. Уни ўзимиз ҳам эшитдик. У ҳақиқатан ҳам оламнинг Нажоткори эканлигига амин бўлдик*.

Исо амалдорнинг ўғлини соғайтиради

43 Икки кундан кейин Исо у ердан Жалила ҳудудига жўнаб кетди. 44 У: “Пайғамбар ўз юртида эътибор топмайди”, деб таъкидлаганди. 45 Жалилага келганда эса, аҳоли Уни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Чунки улар Фисиҳ байрами учун Қуддусга борганларида, у ерда Исонинг қилган ҳамма ишларини кўрган эдилар.
46 Шундай қилиб, Исо яна Жалиладаги Каъна қишлоғига келди. Бу ерда У сувни шаробга айлантирган эди. Ўша пайтда Кафарнаҳум шаҳрида бир сарой амалдорининг* ўғли касал бўлиб ётган эди. 47 Бу одам Исонинг Яҳудиядан Жалилага келганлигини эшитиб, Унинг олдига борди. Исога:
— Юринг, ўлим тўшагида ётган ўғлимга шифо беринг, — деб ёлворди.
48 — Сизлар аломату мўъжизалар кўрмагунча ишонмайсизлар! — деди унга Исо.
49 — Юра қолинг Ҳазрат, ўғилгинам ўлиб қолмасин! — деди сарой амалдори

Унга.
50 — Сиз бораверинг. Ўғлингиз соғ–саломат, — деди Исо.
У одам Исонинг айтганига ишониб, жўнаб кетди. 51 У ҳамон йўлда экан, хизматкорлари унга пешвоз чиқиб:
— Ўғлингиз соғ–саломат, — деган хабар келтирдилар.
52 — Қайси соатда аҳволи енгиллашди? — дея сўради у.
— Кеча тушда, соат бирларда* иситмаси тушди, — дейишди хизматкорлар.
53 “Ўғлингиз соғ–саломат” деган сўзларни Исо айнан ўша вақтда айтганини боланинг отаси англади. Шунда ўзи ва бутун хонадони Исога имон келтирди.
54 Бу эса Исонинг Яҳудиядан Жалилага келиб кўрсатган иккинчи мўъжизали аломати эди.

5–БОБ

Исо шолни соғайтиради

1 Бу ҳодисалардан кейин Исо яҳудийларнинг байрамини нишонлаш учун Қуддусга борди. 2 Қуддуснинг Қўй дарвозаси ёнида бир ҳовуз бор эди. Бу ҳовузнинг орамийча* номи Байтзада* бўлиб, бешта айвони бор эди. 3-4 Бу айвонларда кўр, чўлоқ ва шол бўлган кўп ногиронлар ётар эди*. 5 Бу ерда ўттиз саккиз йилдан бери ногирон бўлиб ётган бир киши бор эди. 6 Исо унинг ётганини кўрди, у узоқ вақтдан бери хаста эканлигини Исо биларди. Шунинг учун ундан:
— Соғайишни истайсанми? — деб сўради. 7 Ногирон одам Исога шундай жавоб берди:
— Тақсир, сув қимирлаганда мени ҳовузга туширадиган одам йўқ. Мен боргунимча, бошқаси мендан олдин тушиб олади.
8 Исо унга шундай деди:
— Ўрнингдан тур! Тўшагингни олиб, юр!
9 Ўша одам шу заҳоти соғайиб кетди. Тўшагини олиб, юра бошлади.
Бу ҳодиса Шаббат куни содир бўлди. 10 Шунинг учун яҳудийлар соғайиб кетган одамга дейишди:
— Бугун Шаббат куни! Шу куни тўшакни кўтариб юриш қонунда ман этилган!*
11 У одам эса шундай жавоб берди:
— Мени соғайтирган Киши менга: “Тўшагингни олиб, юр”, деб айтди.
12 — “Тўшагингни олиб, юр”, деб айтган Одам ким? — деб сўрадилар. 13 Шифо топган одам эса Унинг кимлигини билмас эди, у ерда халқ кўплигидан Исо Ўзини четга олган эди.
14 Кейинроқ Исо у одамни Маъбадда учратиб қолиб, унга деди:
— Мана, сен соғайдинг. Энди гуноҳ қилма, тағин бошингга бундан баттар кунлар келмасин.
15 Бу одам бориб, уни соғайтирган Исо эканлигини яҳудийларга айтди. 16 Улар эса, Исони Шаббат кунида бундай ишлар қилиб юргани учун қувғин қила бошладилар*. 17 Аммо Исо уларга шундай деди:
— Менинг Отам шу кунгача Ўз ишини қилиб келяпти, Мен ҳам Ўз ишимни қиляпман, — деди.
18 Ана шу сўзи учун яҳудийлар Исони ўлдиришга янада кўпроқ ҳаракат қилишди. Чунки У нафақат Шаббат қоидаларини бузди, балки Худони Отам деб, Ўзини Худога тенглаштирган эди.

Ўғилнинг ҳокимияти

19 Исо яҳудийларга шундай деди: “Сизларга чинини айтай: Ўғил Ўзидан–Ўзи

ҳеч нарса қила олмайди. Фақат Отасидан кўрган ишларни қилади. Осмондаги Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади. 20 Ахир, Ота Ўғлини яхши
кўради, Ўзи қилган ҳамма ишларни Ўғлига кўрсатади. У Ўғлига бундан ҳам
буюкроқ ишларни кўрсатади, шунда ҳаммангиз ҳайрон қоласизлар. 21 Ота
ўликларни тирилтириб, уларга ҳаёт бахшида этгандай, Ўғил ҳам истаган одамига
ҳаёт бахш этади. 22 Шунингдек, Ота ҳеч кимни ҳукм қилмайди, балки ҳукм қилиш
ҳуқуқини Ўғлига берган, 23 токи ҳамма осмондаги Отани ҳурмат қилгандай,
Ўғлини ҳам ҳурмат қилсинлар. Ким Ўғилни ҳурмат қилмаса, Уни юборган Отани
ҳам ҳурмат қилмаган бўлади.

24 Сизларга чинини айтай: Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга
ишонган киши абадий ҳаётга эгадир. У ҳукм қилинмайди. Зотан, у ўлимдан ҳаётга
ўтган. 25 Сизларга чинини айтай: ўликлар Худо Ўғлининг* овозини эшитадиган
вақт келади, келиб қолди ҳам. Ўғилнинг овозига қулоқ солганлар тирилади.
26 Зеро, Отанинг Ўзи ҳаёт манбаи бўлгани каби, Ўғлига ҳам ҳаёт манбаи бўлиш
қудратини ато қилди. 27 Бундан ташқари, самовий Ота инсонларни ҳукм қилиш
ҳокимиятини Ўғлига берди, чунки У Инсон Ўғлидир. 28 Бунга ҳайрон қолманглар!
Қабрда ётган марҳумларнинг ҳаммаси Инсон Ўғлининг овозини эшитадиган вақт
келади. 29 Шунда ўликлар қабрларидан чиқадилар: яхшилик қилганлар яшаш
учун тирилади, ёмонлик қилганлар эса маҳкум бўлиш учун тирилади.

Исо ҳақида Худонинг берган гувоҳлиги

30 Мен Ўзимдан Ўзим ҳеч нарса қилолмайман. Осмондаги Отам Менга қандай
айтса, шундай ҳукм қиламан, шунинг учун ҳукмим тўғридир. Зотан, Мен Ўз
иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини бажо келтиришни
истайман. 31 Агар Мен Ўзим ҳақимда Ўзим гувоҳлик берсам, Менинг гувоҳлигим
ҳақиқий бўлмайди. 32 Аммо Мен ҳақимда гувоҳлик берувчи бошқаси бор. Унинг
берган гувоҳлиги ҳақиқат эканлигини биламан.

33 Сизлар Яҳёнинг олдига одам юбордингизлар, у ҳақиқат тўғрисида гувоҳлик
берди. 34 Гарчи Мен инсоннинг гувоҳлигига муҳтож бўлмасам–да, лекин буларни
сизлар нажот топишингиз учун айтяпман. 35 Яҳё гўё ёниб туриб, нур сочган бир
чироқдай эди. Сизлар эса унинг нурида бирпас қувонмоқчи бўлдингизлар.
36 Бироқ Мен Яҳёдан кўра, каттароқ гувоҳликка эгаман. Гувоҳлик деб, Мен
тугатишим учун осмондаги Отам берган ишларни назарда тутяпман. Буларнинг
ҳаммаси Мени Отам юборганидан далолат беради.

37 Мени юборган Отамнинг Ўзи ҳам Мен ҳақимда гувоҳлик бериб турибди.
Сизлар эса ҳеч қачон Унинг овозини эшитмагансиз, қиёфасини ҳам кўрмагансиз.
38 Унинг каломи ҳам кўнглингиздан жой олмади, чунки сизлар У юборган Зотга
ишонмаяпсизлар. 39 Сизлар Муқаддас битикларни* текширасизлар, чунки улар
орқали абадий ҳаётга эга бўламиз, деб ўйлайсизлар. Аммо ўша Ёзувлар Мен
тўғримда гувоҳлик беради–ку! 40 Сизлар эса ҳаётга эга бўлиш учун олдимга
келишни истамайсизлар.

41 Мен инсонлардан таҳсин кутмайман. 42 Лекин сизларни биламан,
қалбингизда Худонинг севгиси йўқ. 43 Мен Отамнинг номидан келдим, аммо
сизлар Мени қабул қилмаяпсизлар. Агар кимдир ўз номидан келса, уни қабул
қилаверасизлар. 44 Сизлар бир–бирингиздан таҳсинлар олишни яхши кўрасизлар,
лекин ягона Худонинг таҳсинига сазовор бўлишга ҳаракат қилмайсизлар. Қандай
қилиб ҳам Менга ишона олардингиз?! 45 Мен сизларни Ота олдида айблайман, деб
ўйламанглар. Сизлар Мусога умид боғлагансизлар. Мусонинг ўзи сизларни
айблайди. 46 Агар Мусога ишонганингизда эди, Менга ҳам ишонган бўлар
эдингизлар. Ахир, у Мен ҳақимда ёзган эди. 47 Мусонинг ёзувларига ишонмаган

бўлсангиз, Менинг сўзларимга қандай ишонасизлар?!”

6–БОБ

Исо 5000 кишини тўйдиради

1 Шундан кейин Исо қайиқда Жалила кўлининг нариги қирғоғига* сузиб ўтди
(Жалила кўлини Тиберияс кўли деб ҳам аташарди). 2 Бир талай халойиқ Исонинг
орқасидан эргашиб борарди. Чунки Исо мўъжизали аломатлар орқали хасталарни
соғайтирганини улар кўрган эдилар. 3 У шогирдлари билан тоққа чиқиб ўтирди.
4 Яҳудийларнинг Фисиҳ байрами яқинлашаётган эди.

5 Исо қараса, бир талай халойиқ У томонга келаётган экан. Исо Филипдан:

— Бу одамларни тўйғазиш учун қаердан нон сотиб оламиз? — деб сўради.
6 Исо бу гапни Филипни синаб кўриш учун айтаётган эди, аслида нима қилишни
Ўзи билар эди.

7 Филип шундай жавоб берди:

— Буларнинг ҳар бирига бир бурда нон бериш учун икки юз кумуш тангага*
нон сотиб олсак ҳам етмайди!

8 Шунда шогирдларидан бири, Бутруснинг* укаси Эндрус Исога деди:

9 — Бу ердаги бир болада бешта арпа нон билан иккита балиқ бор экан. Лекин
шунча одамга бу нима ҳам бўлар эди?!

10 — Одамларни ерга ўтқазинглар, — деди Исо.

У ер қалин майсазор эди. Одамларнинг ҳаммаси ерга ўтиришди. Оломон
орасида тахминан беш мингга яқин эркак бор эди. 11 Исо нонларни олиб, шукрона
дуосини ўқиди. Сўнг ўтирганларнинг ҳаммасига тарқатди*. Балиқларни ҳам
худди шундай қилди. Одамлар истаганларича едилар.

12 Ҳаммалари еб тўйганларидан кейин, Исо шогирдларига шундай деди:

— Ортиб қолган нон бурдаларини йиғиб олинглар, исроф бўлмасин.

13 Шогирдлар ейилган бешта арпа нондан ортиб қолган бурдаларни йиғиб
олишди, ўн иккита сават тўлди. 14 Шунда одамлар Исонинг қилган мўъжизали
аломатини кўриб:

— Ҳақиқатан ҳам дунёга келиши керак бўлган пайғамбар* мана шу Киши экан,
— дедилар. 15 Улар Исони зўрлик билан шоҳ қилиб кўтармоқчи бўлдилар. Буни
билган Исо ёлғиз Ўзи тоққа чиқиб кетди.

Исо сув устида юради

16 Кечки пайт Исонинг шогирдлари кўл бўйига бордилар. 17 Қоронғи тушган,
Исо эса ҳали ҳам уларнинг олдига келмаган эди. Шогирдлар қайиққа тушиб,
кўлнинг нариги томонидаги* Кафарнаҳумга қараб йўл олдилар. 18 Кучли шамол
эсиб, кўл тўлқинланиб кетаётган эди. 19 Улар қирғоқдан беш чақиримча*
масофани сузганларидан кейин, кўл юзида юриб келаётган Исони кўришди. У
қайиққа яқинлашаётган эди, шогирдлар қаттиқ ваҳимага тушишди.

20 — Қўрқманглар, бу Менман! — деди уларга Исо.

21 Улар Исони қайиққа олмоқчи бўлдилар. Ўша заҳоти қайиқ улар бораётган
қирғоққа етиб тўхтади.

Исо — ҳаёт нони

22 Эртаси куни халқ Исони қидира бошлади. Одамлар у ерда фақат бир қайиқ
борлигини ва шогирдлар Исони қолдириб, ўзлари қайиқда сузиб кетганларини
билишарди. 23 Шу пайт Тибериядан* бошқа қайиқлар келиб қолди. Қайиқлар
тўхтаган жой Раббимиз Исо Ўз шукрона дуосини ўқиган ва халқ нон еган ерга

яқин эди. 24 Одамлар Исо билан шогирдларининг у ерда йўқлигини кўргач,
қайиқларга тушиб, Исони қидириб Кафарнаҳумга сузиб келишди. 25 Улар Исони
кўлнинг нариги бўйидан* топиб, Ундан сўрашди:
— Устоз, Сиз қачон бу ерга келдингиз?
26 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Сизларга чинини айтайин: сизлар мўъжизали аломатларни кўрганингиз
учун эмас, балки нон еб тўйганингиз учун Мени қидиряпсизлар. 27 Сиз ўткинчи
озуқа учун эмас, абадий ҳаётга бошловчи боқий озуқа учун ҳаракат қилинглар.
Бундай озуқани сизларга Инсон Ўғли беради. Зотан, Отамиз Худонинг Ўзи бу
вазифа учун Уни маъқул деб топди.
28 Одамлар Исога шундай савол беришди:
— Худога маъқул ишларни бажариш учун нима қилишимиз керак?
29 Исо деди:
— Худога маъқул иш қилмоқчи бўлсангизлар, Худо юборган Зотга
ишонинглар.
30 Улар Исога жавобан шундай дедилар:
— Сизга ишонишимиз учун бирорта аломат кўрсатинг. Қани, биз учун нима
иш қиласиз? 31 Ахир, ота–боболаримиз саҳрода манна* еганлар. Муқаддас
битикларда: “Худо уларга есин деб, осмондан нон берди”*, деб ёзилган–ку.
32 Исо уларга деди:
— Сизларга чинини айтайин, сизларга осмондан нон берган Мусо эмас.
Осмондан тушган ҳақиқий нонни сизларга Менинг Отам беради. 33 Отам Худо
берадиган нон осмондан тушиб, дунёга ҳаёт бахш этади.
34 Одамлар Исога шундай дедилар:
— Ҳазрат, бундай нонни бизга доим бериб туринг!
35 Исо жавобан деди:
— Мен ҳаёт нониман. Менинг олдимга келган одам сира оч қолмайди, Менга
ишонган одам ҳеч қачон чанқамайди. 36 Аммо Мен сизларга айтганимдай, сизлар
Мени кўрган бўлсангизлар ҳам, ишонмаяпсизлар. 37 Самовий Отам Менга берган
ҳар бир одам Менинг олдимга келади. Олдимга келган бironта одамни Мен асло
ҳайдаб юбормайман. 38 Мен Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг
иродасини адо этиш учун осмондан тушганман. 39 Отамнинг иродаси шундан
иборатки, У Менга берганлардан бironтасининг ҳам йўқолишига Мен йўл
қўймаслигим керак, балки охиратда уларнинг ҳаммасини тирилтиришим керак.
40 Ҳа, Ўғилга кўз тиккан ва Унга ишонган ҳар бир одам абадий ҳаётга эга бўлиши
Отамнинг иродасидир. Мен бундай одамларни охиратда тирилтираман.
41 Исо: “Мен осмондан тушган нонман” дегани учун яҳудийлар Ундан норози
бўла бошлашди. 42 Улар ўзаро шундай деб айтишарди:
— Бу Юсуфнинг ўғли Исо–ку! Ота–онасини таниймиз, қандай қилиб: “Мен
осмондан тушдим”, деб айтишга ҳадди сиғди?!
43 — Бундай гапларингизни бас қилинглар! — деди уларга Исо. 44 — Агар Мени
юборган Ота бировни жалб қилмаса, у Менга келолмайди. Олдимга келган одамни
эса Мен охиратда тирилтираман. 45 Пайғамбарлар битикларида: “Уларнинг
ҳаммасига Худо таълим беради”*, деб ёзилган. Отага қулоқ солган, Ундан
ўрганган ҳар бир одам Менинг олдимга келади. 46 Аслида ҳеч ким ҳеч қачон
самовий Отани кўрган эмас, биргина Худодан бўлган Зот Отани кўрган.
47 Сизларга чинини айтаман: ким Менга ишонса, абадий ҳаётга эга бўлади. 48 Мен
ҳаёт нониман. 49 Ота–боболарингиз саҳрода манна егандилар, шунга қарамай
ўлиб кетдилар. 50 Аммо осмондан тушадиган бу нон эса шундай хислатга эгаки,

ундан еган одам ўлмайди. 51 Мен осмондан тушган ҳаётбахш нондирман. Бу нонни еган киши абадий яшайди. Дунёга ҳаёт бахшида этиш учун берадиган ноним Менинг танамдир.

52 Шунда яҳудийлар:

— У қандай қилиб бизга Ўзининг танасини едира олар экан? — деб ўзаро талашиб–тортиша бошладилар. 53 Исо уларга деди:

— Сизларга чинини айтаман: агар Инсон Ўғлининг танасини емасангизлар ва Унинг қонини ичмасангизлар, сизда ҳаёт бўлмайди. 54 Менинг танамни еган ва қонимни ичган одам эса абадий ҳаётга эгадир. Мен уни охиратда тирилтираман. 55 Менинг танам — ҳақиқий озуқа, қоним ҳақиқий ичимликдир. 56 Танамни еб, қонимни ичадиган одам Менда, Мен эса унда яшайман. 57 Модомики, Мени барҳаёт Ота юборган экан, Мен Ота туфайли яшайман. Менинг танамни еган ҳар бир одам эса Мен туфайли яшайди. 58 Осмондан тушган нон мана шудир. Бу нон ота–боболарингиз еган маннага ўхшамайди, улар манна еб ўлиб кетганлар. Мен берган нонни еган одам эса абадий яшайди.

Абадий ҳаёт бахш этувчи сўзлар

59 Исо бу сўзларни Кафарнаҳумдаги синагогада таълим бераётганда айтган эди. 60 Унинг кўплаб шогирдлари бу гапларни эшитиб:

— Қанчалик қаттиқ сўзлар! Буларни ким ҳазм қила олади?! — дейишар эди.

61 Шогирдлари норози бўлганларини Исо биларди, шунинг учун У шундай деди:

— Гапларим жиғингизга тегяптими? 62 Агар сизлар Инсон Ўғлининг асли келган жойига — осмонга кўтарилиб кетаётганини кўрсангизлар, нима дер экансизлар–а?! 63 Худонинг Руҳи ҳаёт бахш этади, инсоннинг кучи билан эса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Сизларга айтган бу сўзларимни Менга Худонинг Руҳи берган, бу сўзларим сизларга ҳаёт ато қилади. 64 Шунга қарамай, орангизда Менга ишонмаганлар бор.

Ҳолбуки, Исо кимлар ишонмаганини ва ким Унга хиёнат қилишини олдиндан билар эди.

65 Исо гапида давом этди:

— Шу сабабдан Мен сизларга: “Осмондаги Отам йўл қўймаса, ҳеч ким Менинг олдимга келолмайди”, — деган эдим.

66 Ўша вақтдан бошлаб кўп шогирдлар Исодан юз ўгириб, Унга эргашмайдиган бўлдилар. 67 Шунда Исо ўн икки шогирдидан:

— Сизлар ҳам кетмоқчимисизлар? — деб сўради.

68 Бутрус шундай жавоб берди:

— Ҳазрат, биз Сиздан бошқа кимга ҳам борар эдик?! Абадий ҳаёт бахш этувчи сўзлар Сизда–ку! 69 Биз Худонинг Азизи* эканингизга ишончимиз комил.

70 Исо уларга деди:

— Мен ўн иккитангизни танлаб олдим. Лекин орангиздаги биттангиз иблисдир!

71 У Шимўн ўғли Яҳудо Ишқариётни назарда тутган эди. Яҳудо ўн икки шогирддан бири бўлса ҳам, кейинчалик Исога хиёнат қилди.

7–БОБ

Исо ва укалари

1 Шундан кейин Исо Жалила ҳудудини кеза бошлади. У Яҳудияни кезишни хоҳламаган эди, чунки у ердаги яҳудийлар Уни ўлдиришга қасд қилган эдилар. 2 Яҳудийларнинг Чайла байрами* яқинлашаётган эди. 3 Укалари Исога шундай

дейишди:

— Бу ердан чиқиб Яҳудияга боринг. Қилаётган ишларингизни шогирдларингиз ҳам кўришсин. [4] Эл назарига тушаман деган бирон та одам яширинча иш қилмайди–ку! Бундай ишларни қилар экансиз, Ўзингизни дунёга танитинг!

[5] Ҳатто укалари ҳам Унга ишонмас эдилар. [6] Исо укаларига шундай деди:

— Менинг вақт–соатим ҳали келгани йўқ. Лекин сизлар учун ҳар вақт қулайдир. [7] Дунё сизлардан нафратлана олмайди, лекин Мендан нафратланади. Чунки Мен унинг қилмишлари ёмон эканлигини юзига соламан. [8] Майли, сизлар байрамга боринглар. Мен ҳозирча бу байрамга бормайман, чунки Менинг вақтим ҳали келгани йўқ.

[9] Шу сўзларни айтиб, Исо Жалилада қолди.

Исо Қуддусда Чайла байрамида

[10] Исонинг укалари байрамга кетганларидан кейин, Исонинг Ўзи ҳам ҳеч кимга билдирмай, яширинча байрамга борди. [11] Яҳудийлар эса Исони байрамда қидирар, “У қаёқда?” деб сўрар эдилар. [12] Омма орасида Исо тўғрисида ҳар хил гап–сўзлар ёйилган эди. Баъзилар: “У яхши одам”, десалар, бошқалар: “Йўқ, У халқни йўлдан оздиряпти”, дейишарди. [13] Бироқ яҳудийлардан қўрққанлари учун У ҳақда ҳеч ким очиқ гапирмас эди.

[14] Байрамнинг ярми ўтганда, Исо Маъбадга кириб, таълим бера бошлади. [15] Уни эшитган яҳудийлар ҳайрон қолиб дейишди:

— Бу Одам ўқимаган бўлса, қаердан шунча нарсани билади?!

[16] Исо уларга жавобан деди:

— Мен ўргатаётган таълимот Ўзимники эмас, балки Мени Юборганникидир. [17] Ким Худонинг иродасини бажаришни истаса, бу таълимот Худоданми ёки Ўзимданми, билиб олади. [18] Ким ўз номидан гапирса, ўзига шуҳрат излайди. Ким уни юборганга шуҳрат изласа, ҳақиқатни сўзлайди, унинг дилида ҳийла бўлмайди. [19] Қонунни сизларга Мусо берди, шундай эмасми? Аммо бирортангиз қонунни бажармайсиз. Нега Мени ўлдирмоқчисизлар?

[20] — Сени жин урибди! Ким Сени ўлдирмоқчи экан? — деди халойиқ. [21] Исо эса Ўз сўзида давом этди:

— Мен Шаббат куни битта мўъжиза қилганим* учун ҳаммаларингиз ҳайрон қоляпсизлар. [22] Ўзларингиз эса, Мусонинг қонунига амал қилайлик деб, Шаббат куни ўғил болани суннат қиласизлар–ку! Аслида, суннат одати* Мусодан эмас, Иброҳим давридан қолган. [23] Мусонинг қонуни бузилмасин деб, сизлар ҳатто Шаббат куни ҳам ўғил болани суннат қилсангизлар, нега Мендан ғазабланасизлар?! Шаббат куни одамни бутунлай соғайтирганим учунми?! [24] Юзаки ҳукм қилманглар, ҳукмингиз адолатли бўлсин.

Исонинг кимлиги ҳақида гумонлар

[25] Баъзи Қуддусликлар шундай дейишарди:

— Йўлбошчиларимиз ўлдирмоқчи бўлган Одам шу эмасми? [26] Мана, У ҳамманинг олдида сўзлаяпти, Унга қарши ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти. Наҳотки йўлбошчиларимиз Уни Масиҳ деб тан олишган бўлса?! [27] Аммо бу Одамнинг қаерданлигини ҳаммамиз биламиз, Масиҳ келганда эса, Унинг қаерданлигини ҳеч ким билмайди.

[28] Исо Маъбадда таълим берар экан, баланд овозда шундай деди:

— Ҳа, сизлар Менинг кимлигимни ҳам, қаерданлигимни ҳам биласизлар. Лекин Мен Ўзимча келганим йўқ. Мени Юборган бор, сизлар эса Уни

танимайсизлар. У ҳақдир. 29 Мен Уни биламан, чунки Мен Унинг олдидан
келганман, У Мени юборган.
30 Бу гапи учун Исони қўлга олмоқчи бўлдилар. Бироқ ҳеч ким Унга қўл
теккизмади, чунки Унинг вақт–соати ҳали келмаган эди. 31 Шу билан бирга, халқ
орасидаги кўп одамлар Унга имон келтирди. Улар:
— Масиҳ келса ҳам, барибир бунчалик кўп мўъжизали аломатлар кўрсата
олмайди! — дейишарди.

Исони тутиб олмоқчилар

32 Одамлар Исо тўғрисида шундай деб пичирлашаётганини фарзийлар эшитиб
қолишди. Шунда бош руҳонийлар* билан фарзийлар Исони қўлга олиш учун
Маъбад миршабларини* юборишди.
33 Исо деди:
— Мен сизлар билан қисқа бир муддат бўлиб, яна Мени Юборганнинг олдига
қайтиб бораман. 34 Сизлар Мени излайсизлар–у, лекин тополмайсизлар. Мен
борадиган жойга сизлар боролмайсизлар.
35 Буни эшитган яҳудийлар ўзаро шундай деб айтишарди:
— У қаерга бормоқчики, биз Уни топа олмасак? Балки У бошқа юртларда
яшайдиган яҳудийлар орасига бормоқчидир? Ғайрияҳудийларга* ҳам таълим
бермоқчидир? 36 “Сизлар Мени излайсиз–у, лекин тополмайсизлар, Мен
борадиган жойга сизлар боролмайсизлар” деган гаплари билан нима айтмоқчи
экан?

Ҳаётбахш сув ва Руҳ ҳақида

37 Чайла байрамининг охирги, улуғ кунида Исо туриб, баланд овозда хитоб
қилди:
— Ким чанқаган бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин. 38 Шунда Муқаддас
битикларда айтилганидек, Менга ишонган одамнинг ичидан ҳаётбахш сув дарё
бўлиб оқиб чиқади.
39 Исо шундай деганда, Муқаддас Руҳни назарда тутган эди. Унга ишонганлар
Руҳни қабул қилиб олишлари керак эди. Лекин Руҳ ҳануз берилмаган эди, чунки
Исо ҳали улуғланмаган эди.

Исо туфайли халқ бўлинади

40 Оломон ичидан баъзилари бу сўзларни эшитиб шундай дедилар:
— Ҳақиқатан ҳам бу Одам биз кутган пайғамбар* экан.
41 Бошқалари:
— Бу Масиҳ, — дейишса, яна бошқалари шундай дейишарди:
— Масиҳ Жалиладан келмайди–ку! 42 Муқаддас битикларда, Масиҳ Довуднинг
уруғидан келиб чиқади, У Довуд яшаган Байтлаҳм қишлоғида туғилади, деб
айтилмаганми?!*
43 Шу тариқа Исо туфайли халқ иккига бўлинди. 44 Баъзилар Уни қўлга
олмоқчи бўлишди, аммо ҳеч ким Унга қўл теккизмади.
45 Шу пайт Маъбад миршаблари бош руҳонийларнинг ва фарзийларнинг
олдига қайтиб келишди.
— Нега Уни олиб келмадингизлар? — деб сўрашди улардан.
46 — Ҳеч ким ҳеч қачон бу Одамдай гапирмаган, — деди миршаблар.
47 — Мабодо У сизларни ҳам йўлдан урмадими? — дейишди фарзийлар. 48 —
Бош руҳонийлар билан фарзийлар орасида Унга ишонган бирорта одам ҳам йўқ!
49 Тавротни билмаган ўша қаланғи–қасанғилар эса шундоқ ҳам лаънат остида
қолган!

50 Шунда фарзийлардан бири, илгари Исонинг олдига борган Никодим*
шундай савол берди:
51 — Қонунимизга кўра, наҳотки биз одамни эшитмай туриб, унинг айбини
топмасдан уни ҳукм қила олсак?!
52 — Сен ҳам Жалиладан бўлсанг керак–а? Муқаддас битикларни ўрганиб чиқ,
Жалиладан пайғамбар чиқмаслиги аниқ, — дейишди унга*.
53 Шундан кейин ҳаммалари уй–уйларига тарқалиб кетдилар.

8–БОБ

Исо фоҳиша аёлни кечиради

1 Исо Зайтун тоғи* томон кетди. 2 Саҳарда яна Маъбадга қайтди. Бутун халқ
Унинг олдига йиғилиб келди, У эса ўтириб, одамларга таълим бера бошлади. 3 Шу
орада Таврот тафсирчилари* билан фарзийлар бир аёлни олиб келишди. Улар бу
аёлни зино қилаётганда ушлаб олишган эди. Аёлни ҳамманинг олдига турғизиб,
4 шундай дейишди:
— Устоз, бу аёл зино қилаётганда ушланди. 5 Мусо қонунда бундай аёлларни
тошбўрон қилишни буюрган*. Сиз нима дейсиз?
6 Бу савол билан улар Исони тузоққа илинтириб, айблашга асос топмоқчи
эдилар. Исо эса энгашиб бармоғи билан ерга ёза бошлади. 7 Улар бу саволни
қайта–қайта сўрайверганлари учун, Исо ўрнидан туриб деди:
— Сизнинг орангизда ким бегуноҳ бўлса, ўша биринчи бўлиб аёлга тош отсин.
8 Сўнг яна энгашиб, ерга ёзишни давом эттирди. 9 Улар бу гапни эшитиб*,
катталардан бошлаб ҳаммаси бирин–кетин кета бошлашди. Охирида ёлғиз Исо
билан Унинг олдида турган аёл қолди. 10 Исо ўрнидан туриб аёлга деди:
— Эй аёл, бошқалар қани? Ҳеч ким сени маҳкум қилмадими?
11 — Ҳеч ким, Ҳазрат! — деб жавоб берди аёл.
Исо деди:
— Мен ҳам сени маҳкум қилмайман. Бор, бундан кейин бошқа гуноҳ қилма.

Исо Масиҳ — оламнинг нури

12 Исо яна халққа гапириб деди:
— Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, ҳеч қачон зулматда
юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади.
13 Фарзийлар Исонинг бу гапига эътироз билдирдилар:
— Сиз Ўзингизга Ўзингиз гувоҳлик беряпсиз. Бу гувоҳлигингиз ҳаққоний эмас.
14 Исо шундай жавоб берди:
— Мен Ўзимга Ўзим гувоҳлик берсам ҳам, гувоҳлигим ҳаққонийдир. Чунки
Мен қаердан келиб, қаерга кетаётганимни биламан. Сизлар эса Менинг қаердан
келиб, қаерга кетаётганимни билмайсизлар. 15 Сизлар инсоний ўлчов билан ҳукм
қиласизлар. Мен эса ҳеч кимни ҳукм қилмайман. 16 Борди–ю, Мен ҳукм қилсам
ҳам, ҳукмим ҳаққонийдир. Чунки Мен Ўзим эмас, балки Мени юборган осмондаги
Отам билан бирга ҳукм қиламан. 17 Ўзларингизнинг Тавротингизда: “Икки
гувоҳнинг шаҳодати ҳаққонийдир”*, деб ёзилган–ку. 18 Шундай экан, битта гувоҳ
Менман, иккинчиси Мени юборган Отадир.
19 Шунда улар Исодан:
— Отангиз қаерда? — деб сўрадилар. У бунга жавобан деди:
— Сизлар Мени ҳам, Отамни ҳам танимайсизлар. Агар Мени таниганингизда
эди, Отамни ҳам таниган бўлар эдингизлар.
20 Бу сўзларни Исо Маъбадда таълим бераётиб, хайр–эҳсон қутисининг олдида

айтди. Ҳеч ким Уни қўлга олмади, чунки Унинг вақт–соати ҳали келмаган эди.

Исони рад қилганларнинг қисмати

21 Исо уларга яна деди:

— Мен кетяпман. Сизлар Мени қидирасизлар ва гуноҳкор бўлиб ўласизлар. Мен борадиган жойга сизлар бора олмайсизлар.

22 — Наҳотки У Ўзини Ўзи ўлдирса? “Мен борадиган жойга сизлар бора олмайсизлар”, деб айтяпти–ку, — дейишди ўзаро яҳудийлар. 23 Исо уларга шундай деди:

— Сизлар бу дунёдансизлар, Мен эса юқориданман. Сизлар бу оламга мансубсизлар, Мен эса бу оламдан эмасман. 24 Шунинг учун сизларга: “Гуноҳкор бўлиб ўласизлар”, деб айтдим. Ҳа, агар Ўша Мен эканлигимга ишонмасангизлар, гуноҳкор бўлиб ўласизлар.

25 — Сиз кимсиз? — деб сўрашди Исодан. Исо шундай деди:

— Кимлигимни сизларга бошидан айтиб келяпман–ку! 26 Сизларни айблаб айтадиган гапим жуда кўп. Лекин Мени Юборган ҳақдир, Мен Ундан нима эшитган бўлсам, ўшани дунёга маълум қиламан.

27 Улар эса Исо самовий Отаси ҳақида гапираётганини тушунмадилар. 28 Исо сўзида давом этди:

— Инсон Ўғлини юқорига кўтарганингизда*, Ўша Мен эканлигимни билиб оласизлар. Ўшанда Мен Ўзимча ҳеч нарса қилмаганимни, фақат Отам ўргатган нарсаларни айтганимни тушуниб оласизлар. 29 Мени Юборган доимо Мен билан биргадир. У Мени ёлғиз ташлаб кетмаган. Зеро, Мен ҳар доим Унга маъқул бўлган ишларни қиламан.

30 Исонинг айтган гапларини эшитган кўп одамлар Унга имон келтирдилар.

Озод қиладиган ҳақиқат

31 Шу вақт Исо Унга ишонган яҳудийларга деди:

— Агар Менинг сўзларимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. 32 Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади.

33 Улар шундай деб жавоб беришди:

— Биз Иброҳим наслимиз. Ҳеч қачон ҳеч кимга қул бўлмаганмиз. Қандай қилиб Сиз, “Озод бўласизлар”, деб айтяпсиз?

34 Исо деди:

— Сизларга чинини айтайин: гуноҳ қилувчи ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир. 35 Қул ҳеч қачон хонадон аъзоси бўла олмайди, ўғил эса абадулабад ўз хонадонининг аъзосидир. 36 Шундай экан, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан озод бўласизлар. 37 Иброҳим насли эканлигингизни биламан. Бироқ Менинг жонимга қасд қилмоқчисизлар. Чунки Менинг сўзим қалбингиздан жой топмаган. 38 Мен Отанинг ҳузурида нима кўрган бўлсам, ўшани сизларга айтяпман. Сизлар эса ўз отангиздан ўрганганингизни қиляпсизлар.

Иброҳим болалари ва иблис болалари

39 Улар Исога шундай жавоб бердилар:

— Бизнинг отамиз Иброҳимдир.

Исо шундай деди:

— Агар Иброҳимнинг фарзандлари бўлганингизда эди, Иброҳимнинг қилган ишларини қилган бўлар эдингизлар. 40 Мен сизларга Худодан эшитган ҳақиқатни сўзлаб бердим, холос. Шундай бўлса–да, сизлар Мени ўлдирмоқчисизлар. Иброҳим бундай иш қилмаган. 41 Сизлар Иброҳимнинг эмас, ўз отангизнинг

ишларини қиляпсизлар.

— Ие, биз зинодан туғилмаганмиз. Бизнинг биттаю битта Отамиз — Худонинг Ўзи–ку! — деб жавоб беришди Исога. 42 Исо уларга шундай деди:

— Агар Отангиз Худо бўлганда эди, Мени яхши кўрган бўлар эдингиз, чунки Мен Худодан келиб, энди шу ерда турибман. Мен Ўзимча келганим йўқ, Мени У юборди. 43 Нега айтганларимни англамаяпсизлар?! Бунга сабаб — сўзларимни ҳазм қила олмаганингиз. 44 Сизларнинг отангиз Худо эмас, иблисдир. Сизлар ўз отангизнинг нафсу эҳтиросларини бажо қилишни хоҳлайсизлар. Азалданоқ иблис қотил эди. У ҳеч қачон ҳақиқат тарафдори бўлмаган, чунки унда ҳақиқат йўқ. У ёлғон сўзлаганда, ўзига хос сўзлайди. Чунки у ёлғончи, ёлғоннинг отасидир. 45 Аммо Мен ҳақиқатни гапирганим учун Менга ишонмаяпсизлар. 46 Қайси биринг Мени бирон гуноҳда айблай оласиз? Агарда ҳақиқатни гапираётган бўлсам, нега Менга ишонмаяпсизлар? 47 Ким Худога тегишли бўлса, Худонинг сўзларига қулоқ солади. Сизлар эса Худога бегона бўлганингиз учун қулоқ солмаяпсизлар.

Исо азалдан мавжуд

48 Бунга жавобан яҳудийлар шундай дедилар:

— Сиз Самарияликсиз–ку*, Сизни жин урибди, деб тўғри айтган эканмиз!

49 Исо деди:

— Мени жин ургани йўқ. Мен осмондаги Отамни ҳурмат қиламан. Сизлар эса Мени беобрў қиляпсизлар. 50 Мен Ўзимга обрў орттирмоқчи эмасман. Лекин обрўйимни кўтарадиган бор, Унинг Ўзи ҳукм қилади. 51 Сизларга чинини айтайин: ким Менинг сўзимга риоя қилса, ҳеч қачон ўлим кўрмайди.

52 Шунда яҳудийлар дедилар:

— Сизни жин урганини энди аниқ билиб олдик! Иброҳим ўлди, пайғамбарлар ҳам ўлиб кетишган. Сиз эса: “Ким Менинг сўзимга риоя қилса, ҳеч қачон ўлмайди”, деяпсиз–а?! 53 Наҳотки Сиз вафот этган отамиз Иброҳимдан ҳам устун бўлсангиз?! Пайғамбарлар ҳам ўлиб кетишган–ку! Сиз Ўзингизни ким деб ҳисоблайсиз ўзи?!

54 Исо шундай жавоб берди:

— Агар Мен Ўзимни Ўзим мақтасам, мақтовларим беҳудадир. Отамнинг Ўзи Мени мақтайди. Сизлар Уни Худойимиз деб атайсизлар, 55 аслида эса Уни танимайсизлар. Мен эса Уни биламан. Агар, Уни билмайман, десам, сизларга ўхшаган ёлғончи бўламан. Мен Уни биламан ва Унинг сўзига риоя қиламан. 56 Отангиз Иброҳим келган кунимни кутиб, хурсанд бўлган эди. Ўша кунни кўриб, қаттиқ қувонди.

57 — Сиз ҳали эллик ёшга тўлмаган бўлсангиз, қандай қилиб Иброҳимни кўргансиз?! — дейишди яҳудийлар Унга. 58 Исо уларга шундай жавоб берди:

— Сизларга чинини айтайин: Иброҳим туғилмасдан олдин Мен бор бўлганман*.

59 Шунда Исони тошбўрон қилмоқчи бўлдилар. Исо эса яширинча Маъбаддан чиқиб кетди*.

9–БОБ

Исо туғма кўрга шифо беради

1 Исо йўлда кетаётиб, бир туғма кўр одамни кўриб қолди. 2 Шогирдлари Исодан сўрадилар:

— Устоз, кимнинг гуноҳи унинг кўр бўлиб туғилишига сабабчи бўлди? Ўзиникими ёки ота–онасиникими?

3 Исо шундай жавоб берди:
— Бу одамнинг гуноҳи ҳам, ота–онасининг гуноҳи ҳам бунга сабаб бўлмаган. Худонинг ишлари унда намоён бўлиши учун у кўр туғилган. 4 Кун ёруғ экан, Мени Юборганнинг ишларини қилишимиз лозим. Ана тун келяпти, ўшанда ҳеч ким иш қила олмайди. 5 Мен оламда бор эканман, оламнинг нуридирман.
6 Исо буларни айтди–ю, ерга тупурди, тупукдан лой қилиб, кўрнинг кўзларига суртди. 7 Сўнг унга:
— Бориб, Силоам ҳовузида ювингин, — деди. (Силоам “юборилган” демакдир.)
Кўр одам бориб ювинди ва кўра оладиган бўлиб қайтди. 8 Шунда унинг қўшнилари ва илгари унинг садақа сўраганини кўрган одамлар:
— Бу ҳалиги тиланчилик қилиб ўтирган одам эмасми? — деб сўрашарди.
9 Баъзилар:
— Бу худди ўша, — десалар, бошқалар:
— Йўқ, ўшанга ўхшайди, холос, — дейишарди. Одамнинг ўзи эса:
— Ўша менман, — деб таъкидларди.
10 — Ундай бўлса, кўзларинг қандай очилди? — деб сўрадилар.
11 — Исо деган киши лой қилиб, кўзларимга суртди–ю, “Бориб, Силоам ҳовузида ювингин”, деди. Мен бориб ювиндим ва кўрадиган бўлиб қолдим, — деди шифо топган кўр.
12 — Ўша Одам қани? — деб сўрадилар.
— Билмайман, — деб жавоб берди у.

Фарзийлар соғайган кўрни сўроқ қилишади

13 Илгари кўр бўлган ўша одамни фарзийларнинг олдига келтиришди.
14-15 Фарзийлар ҳам бу одамдан кўзлари қандай очилганини сўрадилар.
— У кўзларимга лой суртди. Мен ювиндим–у, кўзларим кўрадиган бўлди, — деди ҳалиги одам.
Исо лой қилиб, кўрнинг кўзларини очган кун Шаббат куни эди. Шунинг учун 16 фарзийлардан баъзилари:
— Кўзларингни очган Одам Худодан эмас, чунки У Шаббат кунига риоя қилмаяпти*, — дедилар. Бошқалари эса:
— Гуноҳкор одам бундай мўъжизали аломатларни қандай қила олади? — дейишди. Шундай қилиб, ораларида келишмовчилик пайдо бўлди.
17 Шунда фарзийлар кўр одамдан яна сўрадилар:
— У Киши ҳақида сен нима дейсан? У сенинг кўзларингни очди–ку!
— У пайғамбар, — деб жавоб берди кўр.
18 Бироқ яҳудийлар кўзлари очилган одамнинг ота–онасини чақиртирмагунча, унинг илгари кўр бўлганига ва кўзлари очилганига ишонмадилар. 19 Улар кўрнинг ота–онасига шундай савол бердилар:
— Кўр туғилган, деб айтган ўғлингиз шуми? Хўш, энди қандай қилиб унинг кўзлари кўряпти?
20 Ота–онаси жавоб беришди:
— Бу бизнинг ўғлимиз эканлигини биламиз. Унинг кўр туғилганини ҳам биламиз. 21 Лекин қандай қилиб кўзлари кўраётганини ва кўзларини ким очганини биз билмаймиз. У балоғатга етган, ўзидан сўранглар. Ўзи учун ўзи жавоб берсин.
22 Кўрнинг ота–онаси яҳудийлардан қўрққанлари учун шундай дедилар. Дин арбоблари бундан аввал, ким Исонинг Масиҳлигини тан олса, синагогадан четлаштирилсин, деб қарор қилган эдилар. 23 Ана шу сабабдан кўрнинг ота–онаси: “У балоғатга етган, ўзидан сўранглар”, деб айтишганди.

24 Шундай қилиб, илгари кўр бўлган одамни иккинчи марта чақириб, дейишди:
— Ростини айтаман, деб Худонинг номи билан қасам ич! Биз у Одамнинг
гуноҳкорлигини биламиз.
25 Кўр шундай жавоб берди:
— У гуноҳкорми, йўқми, мен билмайман. Шуни биламанки, мен кўр эдим, энди
эса кўзларим кўряпти.
26 — У сенга нима қилди? Кўзларингни қандай очди? — деб ундан сўрадилар.
27 — Сизларга айтиб бердим–ку, аммо сизлар қулоқ солмадингизлар! Нега
буни яна эшитмоқчисизлар?! Наҳотки сизлар ҳам Унинг шогирдлари
бўлмоқчисизлар?! — деди у одам. 28 Яҳудийлар эса уни ҳақоратлаб, дейишди:
— Сен ўзинг Унинг шогирдисан! Биз эса Мусонинг шогирдларимиз! 29 Мусога
Худо гапирганини биламиз. Бу Киши–чи, Унинг қаерданлигини ҳам билмаймиз.
30 Кўзи очилган одам шундай жавоб берди:
— Ана шуниси жуда ажабланарли–да! Сизлар Унинг қаерданлигини
билмайсизлар, У эса кўзларимни очди! 31 Гуноҳкорларга Худо қулоқ солмаслигини
биламиз. Унинг иродасига амал қилган тақводорларга эса Худо қулоқ солади.
32 Туғма кўрнинг кўзларини бирор киши очгани ҳаётда эшитилмаган гап. 33 Агар у
Киши Худодан бўлмаганда эди, ҳеч нарса қилолмасди.
34 Яҳудийлар бунга жавобан:
— Сен бутунлай гуноҳ ичида туғилгансан, энди бизга ақл ўргатяпсанми?! —
дейишди–да, уни синагогадан ҳайдаб чиқаришди.

Қалби кўрлар

35 Ўша одамнинг ҳайдаб чиқарилганлигини Исо эшитди–ю, уни қидириб
топди.
— Сен Инсон Ўғлига* ишонасанми? — деб сўради ундан.
36 У одам эса Исога деди:
— Ҳазрат, У кимдирки, мен Унга ишонсам?
37 — Уни кўриб турибсан, У билан гаплашиб турибсан, — деди Исо. 38 Шунда у
одам:
— Ишонаман, ё Раббий, — деди–да, Исога сажда қилди.
39 Исо:
— Кўрлар кўрсин, кўзи очиқлар эса кўр бўлсин деб, Мен бу дунёни ҳукм
қилгани келганман, — деди.
40 Унинг атрофида баъзи фарзийлар турган эди. Улар бу гапни эшитгач:
— Наҳотки бизлар ҳам кўр бўлсак? — деб сўрашди. 41 Исо уларга деди:
— Агар кўр бўлганингизда, гуноҳда айбланмас эдингиз. Лекин сизлар
“Кўзларимиз кўряпти” деганингиз учун гуноҳингиз ўз бўйнингизда қолади.

10–БОБ

Исо — яхши чўпон

1 Исо деди: “Сизларга чинини айтайин: ким қўй қўрасига эшикдан кирмай,
бошқа йўлдан ошиб тушса, у ўғри ва босқинчидир. 2 Эшикдан кирган одам эса
қўйларнинг чўпонидир. 3 Қоровул унга эшикни очиб беради. Қўйлар унинг
овозига қулоқ солади. У эса ўз қўйларини номма–ном чақириб, ташқарига олиб
чиқади. 4 У ўз қўйларини қўрадан олиб чиққанда, уларнинг олдида бораверади.
Қўйлар эса унга эргашади, чунки улар чўпоннинг овозини биладилар. 5 Бегона
кишига эса эргашмайдилар. Аксинча, бегонанинг овозини танимай, ундан
қочадилар.”

6 Исо бу маталні айтиб берганда, тингловчилар У нима демоқчи эканлигини
тушунмадилар. 7 Шу сабабдан Исо яна деди: “Сизларга чинини айтай: Мен қўйлар
учун эшикман. 8 Мендан олдин келганларнинг ҳаммаси ўғри ва босқинчи эдилар.
Лекин қўйлар уларга қулоқ солмадилар. 9 Мен эшикман. Ким Мен орқали кирса,
нажот топади. У кириб чиқиб, яйлов ҳам топади. 10 Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш,
барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун
келганман.
11 Мен яхши чўпонман. Яхши чўпон қўйлари учун жонини фидо қилади.
12 Ёлланган одам эса қўйларнинг на чўпони, на эгасидир. У бўрининг келганини
кўргач, қўйларни ташлаб қочади. Бўри эса қўйларни талаб, тумтарақай қилади.
13 Ёлланган одам шунчаки ёлланган бўлгани учун ва қўйлар ҳақида қайғурмагани
учун қочади.
14-15 Мен яхши чўпонман. Осмондаги Отам Мени ва Мен Отамни билганимдай,
Мен қўйларимни биламан, улар ҳам Мени биладилар. Мен қўйларим учун
жонимни фидо қиламан. 16 Бу қўрада бўлмаган бошқа қўйларим ҳам бор. Уларни
ҳам олиб келишим керак. Улар ҳам Менинг овозимга қулоқ солади, шунда бир
сурув, бир чўпон бўлади. 17 Мен жонимни қайтиб олиш учун уни фидо қиламан,
шу боис Отам Мени яхши кўради. 18 Ҳеч ким жонимни Мендан тортиб ололмайди.
Мен Ўз ихтиёрим билан уни фидо қиламан. Жонимни беришга ва уни қайтариб
олишга ҳокимиятим бор. Буни Менга Отам буюрган.”
19 Исонинг бу сўзлари туфайли, яҳудийлар орасида яна келишмовчилик келиб
чиқди. 20 Ораларидан кўпчилик:
— Уни жин урибди, У ақлдан озган! Нега Унга қулоқ соляпсизлар? — дер
эдилар. 21 Бошқалари эса:
— Бу жин урганнинг сўзлари эмас. Жин кўр одамнинг кўзларини оча
олармиди?! — деб айтишарди.

Исони рад қилишади

22 Ўша вақтда Қуддусда Маъбадни бағишлаш байрами* нишонланаётган эди.
Қиш фасли эди. 23 Исо Маъбадда Сулаймон айвони* деган жойда айланиб юрар
эди. 24 Яҳудийлар Унинг атрофини ўраб олдилар.
— Қачонгача бизни иккилантирасиз? Агар Масиҳ бўлсангиз, бизга очиғини
айтинг, — дейишди.
25 Исо уларга жавоб берди:
— Мен сизларга айтдим, аммо сизлар ишонмаяпсизлар. Осмондаги Отам
номидан қилаётган ишларим кимлигимни кўрсатиб турибди. 26 Сизлар эса
ишонмаяпсизлар, чунки сизлар Менинг қўйларимдан эмассизлар. 27 Менинг
қўйларим овозимга қулоқ солади. Мен уларни танийман, улар эса Менга эргашиб
юришади. 28 Мен уларга абадий ҳаёт бераман, улар ҳеч қачон ҳалок бўлмайдилар.
Ҳеч ким уларни Менинг қўлимдан тортиб ололмайди. 29 Уларни Менга берган
Отам ҳаммадан буюкдир. Отамнинг қўлидан уларни тортиб олишга ҳеч кимнинг
кучи етмайди. 30 Мен ва Отам бирмиз.
31 Яҳудийлар яна Исони тошбўрон қилмоқчи бўлдилар.
32 — Мен сизларга Ота буюрган кўп хайрли ишларни кўрсатдим, уларнинг
қайси бири учун Мени тошбўрон қилмоқчисизлар? — деб сўради Исо.
33 Яҳудийлар Унга шундай дейишди:
— Хайрли ишингиз учун эмас, куфрлигингиз учун Сизни тошбўрон
қилмоқчимиз. Сиз одам бўла туриб Ўзингизни Худо деяпсиз!
34 Исо шундай жавоб қайтарди:
— Сизлар ўзларингиз доим ўқийдиган Муқаддас битикларда*: “Айтдимки,

ҳаммангиз худоларсиз”*, деб ёзилган эмасми?! 35 Ўзларингиз биласизлар:
Муқаддас битикларни ўзгартириб бўлмайди. Худонинг каломини олган одамлар
“худолар” деб аталган–ку! 36 Мени эса Отам Ўзи учун ажратиб олиб, дунёга
юборган. Мен “Худонинг Ўғлиман*” деганим учун куфрлик қилган бўламанми?!
37 Агар Мен Отамнинг ишларини қилмаётган бўлсам, Менга ишонмай қўя
қолинглар. 38 Борди–ю, Унинг ишларини қилаётган бўлсам, Менга ишонмасангиз
ҳам, қилаётган ишларимга ишонинглар. Шунда Ота Менда ва Мен Отада
эканимни билиб, англаб оласизлар.

39 Улар яна Исони ушлаб олишга ҳаракат қилдилар, аммо Исо уларнинг
чангалидан қутулиб қолди.

40 Сўнг Исо Иордан дарёсининг шарқ томонига, илгари Яҳё одамларни
чўмдириб юрган жойга қайтиб бориб, у ерда қолди. 41 Унинг олдига кўп одамлар
келишарди. Улар шундай деб айтишарди: “Яҳё ҳеч қандай мўъжизали аломат
кўрсатмаган эди, лекин Яҳёнинг бу Одам ҳақида айтган ҳамма гапи тўғри чиқди.”
42 Шундай қилиб, ўша ердаги кўп одамлар Исога ишондилар.

11–БОБ

Лазарнинг ўлими

1 Байтания қишлоғида* Лазар исмли бир одам касал бўлиб ётган эди. Марям ва
унинг опаси Марта ҳам шу қишлоқда яшар эдилар. 2 Кейинчалик Раббимиз Исога
атир мой суртган ва Унинг оёқларини сочи билан артиб қуритган ўша Марям
эди*. Касал ётган Лазар эса Марямнинг акаси эди.

3 Опа–сингил Исога:

— Ҳазрат, Сизнинг азиз дўстингиз касал, — деган хабар юборишди. 4 Исо буни
эшитиб, шундай деди:

— Бу касаллик ўлим билан якунланмайди, балки Худонинг улуғланишига ва
шу орқали Худо Ўғлининг* улуғланишига сабаб бўлади.

5 Исо Мартани, унинг синглисини ва Лазарни яхши кўрар эди. 6 Аммо
Лазарнинг хаста эканини билса ҳам, турган жойида яна икки кун қолди. 7 Шундан
сўнг У шогирдларига:

— Яҳудияга қайтиб борайлик, — деди.

8 Шогирдлари эса шундай дедилар:

— Устоз, яқиндагина яҳудийлар Сизни тошбўрон қилмоқчи эдилар–ку! Энди
яна у ерга бормоқчимисиз?

9 Исо жавоб берди:

— Кундуз ўн икки соатдан иборат эмасми?! Ким кундузи юрса, қоқилмайди,
чунки бу дунёнинг нурини кўради. 10 Кечаси юрган эса қоқилади, чунки унинг
ўзида нур йўқ.

11 Бу сўзларини айтиб бўлиб, уларга яна деди:

— Дўстимиз Лазар ухлаб қолди. Мен уни уйғотгани кетяпман.

12 — Ҳазрат, агар ухлаётган бўлса, тузалиб кетади, — деди шогирдлари.

13 Исо Лазарнинг ўлимини назарда тутган эди. Шогирдлар эса Исо одатдаги
уйқу тўғрисида гапирди, деб ўйладилар. 14 Кейин Исо уларга очиғини айтди:

— Лазар вафот этди. 15 Мен унинг ёнида бўлмаганимдан хурсандман, чунки бу
вазият сизларнинг ишонишингизга имкон беради. Қани, энди унинг олдига
борайлик.

16 Шунда Тўма, яъни Дидимус* бошқа шогирдларга:

— Қани, юринглар, биз ҳам Исо билан ўламиз! — деди.

Исо — тириклик манбаи

17 Исо у ерга етиб бориб билдики, Лазарнинг қабрга қўйилганига тўрт кун
бўлган экан. 18 Байтания қишлоғи Қуддусдан бор–йўғи уч чақиримча* масофада
жойлашган эди. 19 Қуддусдаги кўп яҳудийлар Марта билан Марямнинг олдига
акасининг вафоти муносабати ила тасалли бериш учун борган эдилар. 20 Марта
Исонинг келаётганини эшитиб, Уни кутиб олгани чиқди. Марям эса уйда қолди.
21 — Ҳазрат! — деди Марта Исога. — Агар Сиз бу ерда бўлганингизда эди, акам
ўлмаган бўларди. 22 Аммо ҳозир ҳам биламан, Сиз Худодан нима сўрасангиз, Худо
Сизга беради.
23 — Сенинг аканг тирилади, — деди Исо.
24 — Биламан, охиратда ўликлар тирилганда тирилади, — деди Марта. 25 Исо
унга деди:
— Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди.
26 Кимда–ким Менга ишониб яшаса, то абад ўлмайди. Бунга ишонасанми?
27 — Ҳа, Ҳазрат, — деди Марта, — Сиз дунёга келадиган Масиҳ, Худонинг Ўғли
эканингизга ишонаман.
28 Марта шундай деди–ю, бориб синглиси Марямни чақирди. Унга секингина
деди:
— Устоз шу ерда, У сени чақиряпти.
29 Марям буни эшитгач, шошиб ўрнидан турди–да, Исонинг олдига кетди.
30 Исо ҳали қишлоққа кирмаган, ҳануз Марта Уни кутиб олган жойда эди. 31 Марям
билан уйда бўлган ва унга тасалли бераётган одамлар унинг шошилиб ўрнидан
туриб ташқарига чиққанини кўришди. Марям йиғи–сиғи қилгани қабрга кетяпти,
деб ўйлаб, унинг орқасидан кетишди.
32 Марям Исо турган ерга етиб келиб, Уни кўрди–ю, оёғига йиқилиб деди:
— Ҳазрат! Агар Сиз шу ерда бўлганингизда эди, менинг акам ўлмаган бўларди!
33 Марям ҳам, у билан келганлар ҳам йиғлаётган эдилар. Исо буни кўриб,
қаттиқ изтиробга тушди, кўнгли ўртаниб кетди.
34 — Уни қаерга қўйдингизлар? — деб сўради.
— Юринг, Ҳазрат, кўрасиз! — дедилар.
35 Исонинг кўзларидан дув–дув ёш оқди. 36 Ўша ердаги одамлар:
— Қаранглар, уни қанчалик яхши кўрар экан! — дейишди. 37 Улардан
баъзилари эса шундай дейишди:
— У кўрнинг кўзларини очган. Лазарни ҳам ўлимдан олиб қолса бўлмасмиди?!

Исо Лазарни тирилтиради

38 Исо тағин қаттиқ изтироб чекиб, қабр олдига келди. Қабр бир ғор бўлиб,
оғзи тош билан ёпилган эди. 39 Исо:
— Тошни олиб ташланглар! — деди. Марҳумнинг синглиси Марта Унга деди:
— Ҳазрат, жасад ҳидланиб қолган–ку! Ахир, қабрга қўйилганига тўрт кун
бўлди!
40 — Агар ишонсанг, Худонинг улуғворлигини кўрасан, деб сенга
айтмаганмидим?! — деди Исо.
41 Тошни олиб ташладилар. Исо эса осмонга кўз тикиб, деди:
— Эй Ота! Мени эшитганинг учун Сенга шукурлар айтаман. 42 Сен Мени доимо
эшитишингни биламан. Лекин бу сўзларни шу ерда турган халқ учун айтяпман,
токи Мени Сен юборганингга улар ишонсин.
43 Шундай деди–ю, баланд овоз билан хитоб қилди:
— Лазар, ташқарига чиқ!
44 Шу пайт қўлу оёқлари кафанланган, юзи рўмол билан ўралган марҳум чиқиб

келди.

— Кафанини ечинглар, уни қўйиб юборинглар, — деди Исо одамларга.

Исони ўлдириш режаси

45 Марямни йўқлагани келган одамларнинг кўпчилиги Исонинг қилган ишини
кўриб, Унга ишонишди. 46 Аммо баъзилари фарзийларнинг олдига бориб, Исонинг
қилганларини айтиб беришди.

47 Шундан кейин бош руҳонийлар ва фарзийлар Олий кенгаш* чақириб,
дейишди:

— Нима қиламиз? Бу Одам жуда кўп мўъжизали аломатлар кўрсатиб
юрибди–ку! 48 Буни давом этишига йўл қўйсак, ҳамма Унга ишониб кетади.
Римликлар келиб, Маъбадимизни ҳам, халқимизни ҳам хонавайрон қиладилар.

49 Улардан бири, ўша йили олий руҳоний бўлган Каяфас* сўз олди:

— Сизлар ҳеч нарсани билмайсизлар! 50 Бутун халқ ҳалок бўлгандан кўра,
битта одамнинг халқ учун ўлиши ўзингиз учун яхшироқ–ку! Наҳотки буни
тушунмасангизлар?!

51 Бу сўзларни у ўзидан–ўзи айтмаган эди. Балки ўша йили олий руҳоний
сифатида Исонинг халқ учун ўлишини башорат қилган эди. 52 Исо нафақат яҳудий
халқи учун, балки Худонинг тарқоқ бўлган ҳамма фарзандларини* бирлаштириш
учун ўлиши керак эди.

53 Шундай қилиб, ўша кундан бошлаб, Исони ўлдиришга тил бириктирдилар.
54 Исо эса энди яҳудийлар орасида очиқчасига юрмайдиган бўлди. У чўл
яқинидаги Эфрайим шаҳрига* бориб, Ўз шогирдлари билан ўша ерда қолди.

55 Яҳудийларнинг Фисиҳ байрами яқинлашаётган эди. Мамлакатнинг ҳамма
томонидан одамлар байрамдан олдин покланиш учун Қуддусга боришди. 56 Шу
вақтда Исони изладилар. Маъбадда йиғилиб турганлар ўзаро: “Нима деб
ўйлайсизлар? У байрамга келадими?” деб сўрашди. 57 Бош руҳонийлар ва
фарзийлар эса Исони қўлга олмоқчи бўлиб, шундай буйруқ берган эдилар: “Ким
Исонинг қаердалигини билиб қолса, хабар қилсин.”

12–БОБ

Марям Исога атир мой суртади

1 Фисиҳ байрамидан олти кун олдин Исо Лазарнинг қишлоғи Байтанияга*
борди. Исо ўша Лазарни ўликдан тирилтирган эди. 2 Ўша ерда Исога зиёфат
ҳозирладилар. Марта хизмат қилиб юрган эди, Лазар эса Исо ва меҳмонлар билан
бирга дастурхон олдида ёнбошлаган эди. 3 Шу пайт Марям бир шиша* тоза,
қимматбаҳо сунбул мойини* олиб келиб, Исонинг оёқларига суртди, сўнг сочлари
билан артди. Уй атир мойнинг хушбўй ҳидига тўлиб кетди.

4 Исонинг шогирдларидан бири, Унга хиёнат қиладиган Яҳудо Ишқариёт деди:

5 — Бу мойни уч юз кумуш тангага* сотиб, камбағалларга бўлиб берса
бўлмасмиди?!

6 У шу гапни камбағалларга қайғургани учун эмас, балки ўғри бўлгани учун
айтди. Пул қутиси Яҳудонинг назоратида эди, қутига солинадиган пулдан у
ўғирлаб турарди. 7 Исо шундай деди:

— Марямни тинч қўйинглар! Зотан, у Мени дафн кунимга тайёрлади*.
8 Камбағаллар ҳар доим сизлар билан бирга бўлади. Мен эса ҳар доим ҳам сизлар
билан бирга бўлмайман.

9 Бир талай яҳудийлар Исонинг Байтанияда эканлигини билиб келишди. Улар
нафақат Исони, балки Исо ўликдан тирилтирган Лазарни ҳам кўришни

истардилар. 10 Бош руҳонийлар Лазарни ҳам ўлдиришни режалаштирган эдилар.
11 Чунки кўп яҳудийлар Лазар туфайли Исо томонига ўтиб, Унга имон
келтираётган эдилар.

Исо Қуддусга тантанали равишда киради

12 Эртаси куни байрамга борган бир талай халойиқ Исонинг Қуддусга
келаётганини эшитиб қолди. 13 Улар пальма дарахти шохларидан* олишди, Уни
қарши олгани чиқиб, шундай деб ҳайқиришарди:

"Тасанно!
Эгамиз номидан келаётган Инсон барака топсин!*
Исроилнинг шоҳи муборак бўлсин!"

14 Исо бир хўтикни топиб, унга минди, худди Муқаддас битикларда
ёзилгандай:

15 "Эй Қуддус халқи*, қўрқма!
Мана, Шоҳингиз хўтикни миниб келяпти."*

16 Исонинг шогирдлари аввал буни тушунмадилар. Исо улуғлангандан
кейингина улар бу сўзларнинг У ҳақда ёзилганини ва халқ худди ёзилганидек
қилганини эсладилар. 17 Исо Лазарни қабрдан чақириб тирилтирганига гувоҳ
бўлган оломон Исога эргашиб, бу ҳақда ҳаммага айтарди. 18 Исонинг қилган бу
мўъжизали аломати ҳақида эшитган кўп одамлар Уни кутиб олгани чиққан
эдилар.
19 Фарзийлар эса бир–бирига:
— Қаранглар, қўлимиздан ҳеч нарса келмади. Бутун дунё Унинг ортидан
бормоқда! — дейишарди.

Исо Ўз ўлими ҳақида гапиради

20 Худога сажда қилиш учун байрамга келганлар орасида баъзи
ғайрияҳудийлар* бор эди. 21 Улар Филипнинг олдига бориб (Филип Жалиланинг
Байтсайда шаҳридан эди) шундай деб айтишди:
— Тақсир, биз Исони кўрмоқчимиз.
22 Филип бориб, бу ҳақда Эндрусга айтди. Сўнг иккалови Исонинг олдига
бориб, Унга айтишди. 23 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Инсон Ўғли улуғланадиган вақт–соати келди. 24 Сизларга чинини айтайин:
агар буғдойнинг дони ерга тушиб ўлмаса, у бир донлигича қолади. Агарда ўлса,
кўп ҳосил беради. 25 Ким ўз жонини севса, уни йўқотади. Ким бу дунёда ўз
жонидан воз кечса, уни абадий ҳаёт учун сақлаб қолади. 26 Ким Менга хизмат
қилмоқчи бўлса, орқамдан юрсин. Мен қаерда бўлсам, хизматчим ҳам ўша ерда
бўлсин. Менга хизмат қилган одамни осмондаги Отам ҳурмат қилади. 27 Энди эса
юрагим сиқилиб кетяпти. Нима ҳам дер эдим?! "Эй Ота, бу вақт–соатдан Мени
сақла", деб айта олармидим?! Мен шу вақт–соат учун келганман–ку! 28 Эй Ота, Ўз
номингни улуғлагин!
Исо шундай дейиши биланоқ осмондан:
— Мен номимни улуғладим, бундан кейин ҳам улуғлайман, — деган садо
келди. 29 У ерда турган оломон бу садони эшитиб, момақалдироқ деб ўйлади.
Бошқалар эса:
— Унга фаришта гапирди! — дейишди.
30 Бунга жавобан Исо деди:

— Бу садо Мен учун эмас, сизлар учун бўлди. 31 Энди бу дунё ҳукм қилинади, бу
дунёнинг ёвуз ҳукмдори* ҳайдаб чиқарилади. 32 Мен ердан юқорига
кўтарилганимда, ҳаммани Ўзимга жалб қиламан.
33 Исо бу сўзларни қай йўл билан ўлишини билдириш учун айтди.
34 Халқ бунга жавобан деди:
— Биз Тавротдан, Масиҳ абадий яшайди, деб эшитганмиз. Қандай қилиб Сен,
Инсон Ўғли юқорига кўтарилиши керак, деб айтяпсан? Инсон Ўғли ким ўзи?
35 Исо уларга деди:
— Нур яна қисқа бир муддат сизлар билан бўлади. Нур борида юринглар,
тағин зулмат сизларни қамраб олмасин. Зулматда юрадиган киши қаерга
кетаётганини билмайди. 36 Нур ҳануз сизлар билан экан, нурга ишонинглар,
шунда нур фарзандлари бўласизлар.
Буларни айтиб бўлгач, Исо узоқлашиб, халқдан яширинди.

Халқнинг ўжарлиги ва имонсизлиги

37 Исо халқнинг кўз ўнгида шунча кўп мўъжизали аломатлар яратган бўлса
ҳам, улар Исога ишонмас эдилар. 38 Шу тариқа Ишаё пайғамбарнинг сўзи бажо
бўлди:

> “Эй Эгамиз, бизнинг хабаримизга ким ишонди?
> Сенинг қудратли кучинг кимга аён бўлди?”*

39 Ҳақиқатан ҳам, улар ишона олмадилар. Негаки, Ишаё улар ҳақида яна шундай
деб айтганди:

> 40 “Эгамиз уларнинг кўзларини кўр қилди,
> Ақлларини ўтмас қилди.
> Токи кўзлари билан кўрмасинлар,
> Ақллари билан англамасинлар,
> Тағин Менга қайтиб, шифо топмасинлар.”*

41 Ишаё Масиҳнинг улуғворлигини кўргани учун бу сўзларни айтган эди.
42 Шунга қарамай, кўп яҳудий йўлбошчилари ҳам Исога имон келтирдилар.
Лекин улар фарзийлар туфайли буни очиқчасига тан олмас эдилар, чунки
синагогадан ҳайдалишдан қўрқардилар. 43 Ахир, улар Худонинг мақтовидан кўра,
инсоннинг мақтовини яхши кўрардилар.
44 Исо хитоб қилиб деди:
— Менга ишонган одам Менга эмас, балки Мени Юборганга ишонган бўлади.
45 Мени кўрган одам Мени Юборганни кўрган бўлади. 46 Менга ишонган бironта
одам зулматда қолмасин деб, Мен дунёга нур бўлиб келдим. 47 Агар ким Менинг
сўзларимни эшитиб, риоя қилмаса*, Мен уни ҳукм қилмайман. Мен дунёни ҳукм
қилиш учун эмас, нажот бериш учун келганман. 48 Мени рад қилиб, сўзларимни
қабул қилмаган одамни ҳукм қилувчи бор. Ундай одамни охиратда Мен эмас,
айтган сўзим ҳукм қилади. 49 Зотан, Мен Ўзимча гапирганим йўқ. Мени юборган
самовий Ота нима айтишимни, қандай гапиришимни Менга амр этган. 50 Унинг
амри эса абадий ҳаёт беришини биламан. Хуллас, нима айтаётган бўлсам, Отам
Менга айтгандай сизларга айтяпман.

13–БОБ

Исо Ўз шогирдларининг оёқларини ювади

1 Фисиҳ байрамига оз қолган эди. Исо бу дунёни тарк этиб, осмондаги Отаси
олдига борадиган вақт–соати келганини билар эди. У дунёдаги Ўзиникиларни
яхши кўрар эди, уларни охиригача яхши кўрди.
2 Кечки овқат пайти эди. Шимўн ўғли Яҳудо Ишқариётнинг дилига иблис
аллақачон Исога хиёнат қилиш ниятини солган эди. 3 Исо эса Отаси ҳамма
нарсани Унинг қўлига берганини билар эди, У Худодан келиб, яна Худонинг
олдига қайтаётганини ҳам билар эди.
4 Шундай қилиб, Исо дастурхондан туриб, устки кийимини ечиб ташлади.
Сочиқни олиб белига боғлади. 5 Кейин тоғорага сув қуйиб, шогирдларининг
оёқларини ювишга тушди. Белига боғлаган сочиқ билан уларнинг оёқларини
артиб қуритди.
6 Исо Бутруснинг* олдига келди.
— Ҳазрат, наҳот оёқларимни Сиз ювсангиз?! — деди Бутрус.
7 — Ҳозир нима қилаётганимни сен билмайсан, кейин тушуниб оласан, — деди
Исо унга жавобан.
8 — Менинг оёқларимни икки дунёда ҳам ювмайсиз! — деди Бутрус.
— Агар оёқларингни ювмасам, Менга қарашли бўлмайсан, — деди Исо.
9 Шунда Бутрус деди:
— Ҳазрат, нафақат оёқларимни, қўлларим билан бошимни ҳам ювиб қўйинг!
10 Исо унга деди:
— Чўмилган одам фақат оёғини ювса бас, у тамоман покдир. Сизлар ҳам
поксизлар, аммо ҳаммангиз эмас.
11 Исо Ўзига хоинлик қиладиган одамни билар эди, шунинг учун: “Ҳаммангиз
ҳам пок эмассизлар”, деди.
12 Шогирдларининг оёқларини ювиб бўлгач, Исо устки кийимини кийиб, яна
дастурхон олдига ёнбошлади. Сўнг шогирдларидан сўради:
— Ҳозир нима қилганимни тушундиларингми? 13 Сизлар Мени “Устоз”,
“Ҳазрат” деб чақирасизлар ва тўғри қиласизлар, чунки Мен худди шундайман.
14 Агар Мен Ҳазратингиз ва Устозингиз бўла туриб оёқларингизни ювган бўлсам,
сизлар ҳам бир–бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз шарт. 15 Мен сизларга
нима қилган бўлсам, сизлар ҳам ўшани қилишингиз керак. Мен сизларга ўрнак
кўрсатдим. 16 Сизларга чинини айтайин: қул ўз хўжайинидан устун эмас, элчи ҳам
уни юборгандан устун эмас. 17 Агар гапимни уққан бўлсангиз, бунга амал
қилинглар, шунда бахтли бўласизлар!

Яҳудонинг Исога хиёнати ҳақида каромат

18 Исо гапида давом этди:
— Менинг гапларим ҳаммангизга тегишли эмас. Мен кимларни танлаганимни
биламан. Муқаддас битикларда: “Нонимни еган киши Менга қарши бош
кўтарди”*, деб айтилган. Бу сўзлар бажо бўлиши керак. 19 Мен буни сизларга
ҳозирдан, юз бермасдан олдин, айтиб қўйяпман. Токи юз берганда, Масиҳ Мен
эканлигимга* ишонинглар. 20 Сизларга чинини айтайин: ким Мен юборган
одамни қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади. Мени қабул қилган эса Мени
Юборганни қабул қилган бўлади.
21 Исо қаттиқ изтироб чекиб, деди:
— Сизларга чинини айтайин, орангиздан биттаси Менга хиёнат қилади.
22 Шогирдлари эса У кимни назарда тутаётганини билмай, гангиб бир–бирига

қараб турар эдилар. [23] Шогирдларидан бири Исонинг ёнида ёнбошлаган эди. У Исонинг севикли шогирди* эди. [24] Бутрус ўша шогирдга: “Исо ким ҳақида гапиряпти, сўра–чи”, деб имо–ишора қилди. [25] Шунда у энгашиб, Исодан:

— Ҳазрат, у ким? — деб сўради. [26] Исо жавоб берди:

— Мен бир бурда нонни косага ботириб кимга берсам, у ўшадир, — деди. Сўнг бурда нонни ботириб, Шимўн ўғли Яҳудо Ишқариётга берди. [27] Яҳудо бурдани олар–олмас, шайтон унинг ичига кириб олди.

— Қиладиганингни тезроқ қил, — деди унга Исо.

[28] Дастурхон атрофидагилардан ҳеч ким нима учун Исо бу сўзларни Яҳудога айтганини тушунмади. [29] Пул қутиси Яҳудода бўлгани сабабли, баъзилари: “Исо унга, байрам учун бизга керак бўладиган нарсаларни сотиб ол, деяпти ёки, камбағалларга бир нима бер, деяпти”, деб ўйлардилар. [30] Яҳудо эса ўша бурда нонни олган заҳоти ташқарига чиқиб кетди. Тун эди.

Бир–бирингизни севинглар

[31] Яҳудо чиқиб кетгач, Исо деди:

— Инсон Ўғлининг улуғворлиги аён бўладиган вақти келди. У орқали Худонинг улуғворлиги аён бўлади. [32] Худонинг улуғворлиги Инсон Ўғли орқали аён бўлар экан, тез орада Худо Инсон Ўғлини Ўз улуғворлигига шерик қилади. [33] Болаларим! Энди Мен сизлар билан узоқ бўлмайман. Мени қидирасизлар. Яҳудийларга айтган эдим, сизларга ҳам айтяпман: Мен борадиган жойга сизлар боролмайсизлар. [34] Сизларга янги амр беряпман: бир–бирингизни севинглар. Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир–бирингизни шундай севинглар. [35] Агар бир–бирингизни севсангиз, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади.

Бутруснинг Исодан тониши ҳақида каромат

[36] Бутрус Исога деди:

— Ҳазрат, Сиз қаерга кетяпсиз?

— Ҳозир Мен борадиган жойга сен орқамдан боролмайсан, кейинчалик борасан, — деди унга Исо.

[37] Бутрус сўради:

— Ҳазрат, нега ҳозир орқангиздан боролмас эканман? Мен Сиз учун жонимни беришга тайёрман!

[38] Исо жавоб берди:

— Сен ростдан ҳам Мен учун жонингни беришга тайёрмисан?! Сенга чинини айтаман, хўроз қичқирмасданоқ, сен уч марта Мендан тонасан!

14–БОБ

Исо йўл, ҳақиқат ва ҳаётдир

[1] Исо шогирдларига деди:

— Юрагингиз сиқилмасин. Худога ишонинг, Менга ҳам ишонинг! [2] Отам Худонинг уйида маскан кўп. Шундай бўлмаганда эди, сизларга буларни айтиб ўтирмаган бўлардим. Мен сизларга жой тайёрлагани кетяпман. [3] Мен бориб сизларга жой тайёрлайман–у, сизларни Ўзим билан олиб кетгани келаман. Токи Мен бўлган жойда сизлар ҳам бўлинглар. [4] Мен борадиган жойга олиб борадиган йўлни сизлар биласизлар.

[5] — Ҳазрат! — деди Унга Тўма, — Қаерга боришингизни билмасак, йўлни қаердан биламиз?

6 Исо унга деди:
— Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан
бошқа йўл йўқ. 7 Агар Мени таниб–билсангиз, Отамни ҳам таниб–биласизлар*. Ҳа,
Уни биласиз, чунки Уни кўрдингиз.
8 Филип Исога деди:
— Ҳазрат, бизга Отани кўрсатинг, шунинг ўзи бизга кифоя!
9 — Филип, — деди унга Исо, — Мен шунча вақтдан бери сизлар билан
биргаман. Наҳотки Мени таниб–билмасанг?! Мени кўрган одам Отани кўрган
бўлади. Шундай экан, қандай қилиб сен: “Отани бизга кўрсатинг”, деяпсан? 10 Мен
Отада, Ота эса Менда эканлигига наҳотки ишонмасанг?! Мен сизларга айтган
сўзларни Ўзимдан тўқиб гапирмаяпман. Аксинча, Менда яшаган Отам Мен орқали
Ўз ишларини бажармоқда. 11 Мен Отамда ва Отам Менда эканлигига ишонинглар.
Агар ишонмасангизлар, ҳеч бўлмаса, қилган ишларим туфайли ишонинглар.
12 Сизларга чинини айтайин: Менга ишонган одам Мен қилган ишларни қилади.
Булардан ҳам буюкроқ ишларни қилади, чунки Мен Отанинг олдига кетяпман.
13 Сизлар Менинг номимдан сўраган ҳамма нарсани Мен бажо келтираман, токи
Ота Ўз Ўғли орқали улуғлансин. 14 Ҳа, сизлар Менинг номим билан Мендан
сўраган ҳар қандай нарсани бажо келтираман.

Муқаддас Руҳни юбориш ваъдаси

15 Исо уларга деди: “Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қиласизлар.
16 Мен осмондаги Отага мурожаат қиламан ва У сизлар билан то абад қоладиган
бошқа Ҳомийни* юборади. 17 Бу Ҳомий — Ҳақиқат Руҳидир. Бу дунёга тегишли
бўлганлар Уни қабул қила олмайдилар, чунки Уни кўрмайдилар ҳам,
билмайдилар ҳам. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан яшамоқда, У
ичингизда бўлади. 18 Мен сизларни етим қолдирмайман, яна олдингизга қайтиб
келаман. 19 Бир оздан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди. Аммо сизлар Мени
кўрасизлар. Мен барҳаёт бўлганим учун сизлар ҳам яшайсизлар. 20 Мен Отамда
эканимни, сизлар Менда ва Мен сизларда эканимни ўша куни англаб оласизлар.
21 Менинг амрларимни билиб, уларга амал қилган киши Мени севади. Ким Мени
севса, Отам ҳам уни севади. Мен ҳам уни севаман ва Ўзимни унга аён қиламан.”
22 Ишқариёт бўлмаган бошқа Яҳудо Исога деди: “Ҳазрат, нега Ўзингизни
дунёга аён қилмай, бизга аён қилмоқчисиз?”
23 Исо унга шундай жавоб берди: “Ким Мени севса, Менинг сўзимга амал
қилади. Отам ҳам уни севади. Биз унинг олдига келиб, у билан бирга яшаймиз.
24 Мени яхши кўрмаган киши сўзларимга амал қилмайди. Сизлар эшитган сўз
Меники эмас, балки Мени юборган Отаникидир.
25 Мен сизлар билан эканман, буларни айтдим. 26 Отам Менинг номимдан
юборадиган Ҳомий*, яъни Муқаддас Руҳ сизларга ҳаммасини ўргатади. Мен
сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга солади.
27 Мен сизларга тинчликни қолдиряпман. Ўз тинчлигимни сизларга беряпман.
Мен бераётган тинчлик дунё берадиган тинчликка ўхшамайди. Юрагингиз
сиқилмасин, қўрқманглар. 28 Сизларга айтганимни эшитдингизлар: Мен кетиб,
яна олдингизга қайтиб келаман. Агар Мени яхши кўрганингизда эди, самовий
Отанинг олдига кетаётганимдан қувонган бўлар эдингизлар. Зеро, Ота Мендан
улуғдир. 29 Бу ҳодисалар содир бўлмасдан олдин сизларга айтдим. Токи содир
бўлганда ишонинглар. 30 Сизлар билан сўзлашишга деярли вақтим қолмади.
Чунки бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори* келяпти. У Менга ҳукмини ўтказа олмайди.
31 Лекин дунё билсинки, Мен Отани севаман, Ота Менга неки буюрган бўлса, худди
шуни бажараман.

Қани, туринглар, бу ердан кета қолайлик.”

15–БОБ

Ток ва унинг новдалари ҳақида масал

1 Исо шогирдларига деди: “Мен ҳақиқий токман, осмондаги Отам эса
боғбондир. 2 Ҳосил бермайдиган ҳар бир новдамни У кесиб ташлайди. Ҳосил
берадиган ҳар бир новдани эса, яна кўпроқ ҳосил берсин деб, хомток қилиб
тозалайди. 3 Мен сизга айтган сўзим орқали сизлар аллақачон тозаланиб
бўлгансизлар. 4 Мен билан алоқада бўлинглар, шунда Мен сизлар билан алоқада
бўламан. Токка уланмаган новда ўз–ўзидан ҳосил беролмайди. Шу сингари,
сизлар ҳам Мен билан алоқада бўлмасангизлар, ҳосил беролмайсизлар.
5 Мен — ток, сизлар эса новдасизлар. Агар Менда бўлсангизлар ва Мен
сизларда бўлсам, кўп ҳосил берасизлар. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар. 6 Ким
Мен билан алоқани узса, новда каби, ташлаб юборилади ва қурийди. Бундай
новдаларни эса йиғиб, ўтга ташлаб ёндиришади. 7 Агар сиз Мен билан алоқада
бўлиб, сўзларимни қалбингизга жо қилсангизлар, истаганингизни сўранглар,
сизга берилади. 8 Сизлар кўп ҳосил бериб, Менинг шогирдларим эканлигингизни
исботлайсиз. Бу орқали Отам улуғланади.

Севги ҳақида

9 Осмондаги Отам Мени қандай севган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай
севдим. Севгимга содиқ қолинглар. 10 Мен Отамнинг амрларига амал қилиб,
Унинг севгисига содиқ қолганман. Худди шу сингари, сизлар ҳам, Менинг
амрларимга амал қилсангизлар, севгимга содиқ қоласизлар.
11 Менинг шодлигим қалбингизни тўлдирсин деб, сизларга бу сўзларни
айтдим. 12 Менинг амрим шу: Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам
бир–бирингизни шундай севинглар. 13 Ким ўз жонини дўстлари учун фидо қилса,
бундан ортиқ севги йўқ. 14 Агар сизлар амрларимни бажо келтирсангизлар,
Менинг дўстларим бўласизлар. 15 Мен сизларни энди қул деб атамайман. Қул
хўжайини нима қилишини билмайди. Сизларни дўстларим дейман, чунки
Отамдан эшитган ҳамма нарсани сизларга айтдим.
16 Сизлар Мени эмас, Мен сизларни танладим. Мен сизларни: «Бориб ҳосил
берсин, ҳосили боқий бўлсин», деб танладим. Шунда Менинг номимдан Отадан
нима сўрасангизлар, У сизларга беради.
17 Хуллас, сизларга амрим шу: бир–бирингизни севинглар!

Дунёнинг нафрати

18 Агар дунё сизлардан нафратланаётган бўлса, билингки, сизлардан илгари
Мендан нафратланган. 19 Сизлар бу дунёга тегишли бўлганингизда эди, дунё
сизларни ўзиники каби севар эди. Сизлар эса бу дунёга тегишли эмассизлар. Мен
сизларни бу дунёдан танлаб олдим. Ана шу сабабдан дунё сизлардан
нафратланади. 20 Қул ўз хўжайинидан устун эмас деган сўзимни* эсланглар. Агар
Мени қувғин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувғин қиладилар. Агар Менинг
сўзларимга риоя қилган бўлсалар, сизларникига ҳам риоя қиладилар.
21 Одамлар буларни сизларга Менинг номим туфайли қиладилар. Ахир, улар
Мени Юборганни танимайдилар. 22 Агар Мен келиб, уларга гапирмаганимда эди,
улар Менга ишонмаганлари учун гуноҳда айбланмас эдилар. Энди бўлса
гуноҳларини оқлаш учун баҳона топа олмайдилар. 23 Мендан нафратланган одам
осмондаги Отамдан ҳам нафратланади. 24 Агар Мен улар орасида бошқа ҳеч ким

қилмаган мўъжизаларни қилмаганимда эди, улар гуноҳда айбланмас эдилар. Энди бўлса мўъжизаларимни кўрдилар–у, Мендан ҳам, Отамдан ҳам нафратландилар. 25 Бу эса Тавротдаги: «Мендан сабабсиз нафрат этганлар»* деган сўзлар бажо бўлиши учун содир бўлди.

26 Мен сизларга Отамдан юборадиган Ҳомий*, яъни Отамдан чиқадиган Ҳақиқат Руҳи келганда Мен тўғримда гувоҳлик беради. 27 Сизлар ҳам гувоҳлик берасизлар, чунки бошданоқ Мен билан бирга бўлгансизлар.

16–БОБ

Муқаддас Руҳнинг фаолияти

1 Мен бу гапларни сизлар тўғри йўлдан озманглар, деб айтдим. 2 Сизларни синагогалардан ҳайдаб юборадилар. Ҳатто шундай замон келадики, сизларни ўлдираётган ҳар бир киши бу билан Худога хизмат қиляпман, деб ўйлайди. 3 Улар бу ишларни самовий Отамни ва Мени танимаганлари учун қиладилар. 4 Буларни сизларга ҳозирдан айтиб қўйяпман, токи ўша вақт–соат келганда, сўзларимни эсга олинглар.

Сизларга буларни бошданоқ айтишимга ҳожат йўқ эди, чунки Ўзим сизлар билан бирга эдим. 5 Энди эса Мени Юборганнинг олдига кетяпман. Биронтангиз Мендан: «Қаерга кетяпсан?» деб сўрамаяпсиз. 6 Буларни айтганим учун дилингиз ғам–қайғуга ботган. 7 Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишим сизлар учун яхшироқдир. Агар Мен кетмасам, Ҳомий* келмайди. Агарда кетсам, Уни олдингизга юбораман. 8 У келганда дунёга гуноҳ, адолат ва ҳукм тўғрисидаги ҳақиқатни аён қилади. 9 Гуноҳ тўғрисидаги ҳақиқат шундан иборатки, одамлар Менга ишонмайдилар. 10 Адолат тўғрисидаги ҳақиқат шуки, Ота Мени оқлайди. Мен Отанинг олдига кетяпман ва сизлар Мени бошқа кўрмайсизлар. 11 Ҳукм тўғрисидаги ҳақиқат шундан иборатки, ҳукм чиқариб бўлинган, бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори* маҳкум қилинган.

12 Сизларга яна айтадиган гапларим кўп, лекин энди ичингизга сиғдиролмайсизлар. 13 Ҳақиқат Руҳи келиб, сизларни тўлиқ ҳақиқат сари бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У юз берадиган воқеалар ҳақида сизларга хабар қилади. 14 У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, шу орқали Мени улуғлайди. 15 Отанинг бор нарсаси Меникидир. Ана шу сабабдан, Руҳ Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, деб айтдим. 16 Сизлар билан бирга узоқ вақт бўлмайман, лекин кўп ўтмай сизлар Мени яна кўрасизлар*.”

Қайғунгиз шодликка айланади

17 Шу пайтда Исонинг шогирдлари бир–бирига деди: “Қизиқ, У бизга ўзи нима айтмоқчи?! «Сизлар билан бирга узоқ вақт бўлмайман, лекин кўп ўтмай сизлар Мени яна кўрасизлар», деди. «Отанинг олдига кетяпман», деб айтди. 18 «Сизлар билан бирга узоқ вақт бўлмайман» дейиши билан нима демоқчи экан, тушунмадик.”

19 Исо шогирдларининг савол бермоқчи бўлганларини билиб, деди: “«Сизлар билан бирга узоқ вақт бўлмайман, лекин кўп ўтмай сизлар Мени яна кўрасизлар», деб айтган гапимнинг маъносини муҳокама қиляпсизларми? 20 Сизларга чинини айтайин: сизлар йиғлаб, дод–фарёд қиласизлар, дунё эса қувонади. Сизлар қайғурасиз, лекин қайғунгиз шодликка айланади. 21 Ойи тўлган аёл дард билан туғади. Аммо бола туғилгандан кейин, дунёга одамзод келди, деб аёл қувонади. Қувонганидан у чеккан дардини унутиб юборади. 22 Шунга ўхшаб сизлар ҳам

ҳозир ғам–қайғу чекяпсизлар. Лекин Мен сизларни яна кўраман. Шунда юрагингиз қувончга тўлади. Қувончингизни сизлардан ҳеч ким тортиб олмайди.
23 Ўша куни Мендан ҳеч нарса сўрамайсизлар. Сизларга чинини айтайин:
Менинг номимдан осмондаги Отамдан нима сўрасангизлар, У сизларга беради.
24 Шу пайтгача Менинг номим билан Отадан ҳеч нарса сўрамадингизлар.
Сўранглар, оласизлар ва қалбингиз шодликка тўлади.

Исо дунёдан устун

25 Шу вақтгача сизларга маталлар орқали гапириб келдим. Лекин шундай вақт
келадики, Мен сизларга Отам ҳақида маталлар орқали эмас, очиқдан–очиқ
гапираман. 26 Ўша куни ўзларингиз Отадан истаганингизни Менинг номимдан
сўрайсизлар. Менинг сизлар учун Отадан илтимос қилишимнинг ҳожати
бўлмайди. 27 Зотан, Отанинг Ўзи сизларни севади, чунки сизлар Мени яхши кўриб,
Худодан келганимга ишондингизлар. 28 Мен Отамдан чиқиб, дунёга келдим. Энди
дунёни тарк этиб, Отамнинг олдига кетяпман.”
29 Шогирдлар Исога шундай дейишди:
— Мана, ҳозир Сиз матал ишлатмай, очиқ сўзлаяпсиз. 30 Ҳамма нарсани
билишингизни энди тушундик. Саволга ҳам ўрин йўқ. Сиз Худодан келганингизга
энди ишондик.
31 Исо деди:
— Энди ростдан ҳам ишоняпсизларми? 32 Шундай вақт келадики, ҳатто келди
ҳам, сизлар тарқалиб, ҳар бирингиз ин–инингизга кириб кетасиз. Мени ёлғиз
қолдирасизлар. Бироқ Мен ёлғиз эмасман, чунки Отам Мен биландир. 33 Мен
туфайли хотиржам бўлишингиз учун буларни сизларга айтдим. Дунёда
қайғу–алам чекасизлар. Лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим.

17–БОБ

Исо Ўз шогирдлари учун ибодат қилади

1 Шу гаплардан кейин Исо кўзларини осмонга тикиб, деди: “Эй Ота! Вақт–соати
келди. Ўғлинг Сени улуғлаши учун Ўғлингни улуғлагин. 2 Сен Унга бутун
инсоният устидан ҳокимият бердинг. Токи Унга берилган ҳар бир инсонга У
абадий ҳаёт ато қилсин. 3 Абадий ҳаёт эса Сени — ягона ҳақ Худони ҳамда Сен
юборган Исо Масиҳни таниб–билишдан иборатдир.
4 Сен Менга топширган ишни тугатиб, ер юзида Сени улуғладим. 5 Дунё
яратилишидан аввал Мен Сенинг ҳузурингда улуғвор эдим. Энди, эй Ота, ўша
улуғворликни Ўз ҳузурингда Менга яна ато қилгин.
6 Сен дунёдан Менга берган одамларга Сени танитдим. Улар Сеники эдилар ва
Сен уларни Менга бердинг. Улар Сенинг сўзингга амал қилдилар. 7 Сен Менга
берган ҳамма нарса Сендан эканлигини улар энди билиб олдилар. 8 Чунки Сен
Менга айтган сўзларингни Мен уларга айтдим. Улар сўзларингни қабул қилиб,
Мен Сендан келганимни аниқ тушундилар. Мени Сен юборганингга ишондилар.
9 Мен улар учун илтижо қиламан. Дунё учун эмас, балки Сен Менга берган
одамлар учун илтижо қиламан. Ахир, улар Сеникидир. 10 Зотан, Меники бўлган
ҳамма — Сеники, Сеники эса Меникидир. Менинг улуғворлигим улар орқали аён
бўлмоқда.
11 Мен бу дунёда ортиқ қолмайман, Сенинг олдингга қайтиб кетяпман. Улар
эса бу дунёда қоладилар. Эй Муқаддас Ота! Менга берган Ўз номинг қудрати ила
уларни омон сақла*. Токи улар ҳам Биздай бир бўлсинлар. 12 Мен улар билан
бирга бўлганимда, Менга берган номинг қудрати ила уларни омон сақладим.

Уларни асрадим*, бирортаси йўқолмади. Фақат Муқаддас битикларда айтилганлар* бажо бўлиши учун ҳалокатга маҳкум бўлган одам* нобуд бўлди.
13 Энди эса Сенинг олдингга кетяпман. Менинг шодлигим уларнинг қалбини
тўлдирсин деб, буларни ҳали дунёда бўлганимда айтяпман. 14 Мен уларга Сенинг
сўзларингни айтдим. Бу дунёга тегишли бўлганлар улардан нафратланади. Чунки
Мен бу дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам бу дунёдан эмаслар. 15 Энди уларни
дунёдан олишингни эмас, балки ёвуз шайтондан сақлашингни сўраяпман. 16 Мен
бу дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам бу дунёдан эмаслар. 17 Сенинг каломинг
ҳақиқатдир. Ҳақиқат орқали уларни Ўзинг учун ажратиб олгин. 18 Сен Мени
дунёга юборганингдай, Мен ҳам уларни дунёга юбордим. 19 Уларни деб Ўзимни
Сенга бағишладим, токи улар ҳам ҳақиқат орқали ўзларини Сенга
бағишласинлар.
20 Мен нафақат улар учун илтижо қиляпман, балки уларнинг сўзи орқали
Менга имон келтирадиганлар учун ҳам илтижо қиляпман: 21 ҳаммалари бир
бўлишсин. Эй Ота, Сен Менда ва Мен Сенда бўлганимдай, улар ҳам Бизда
бўлишсин. Шу тариқа Мени Сен юборганингга дунё ишонсин. 22 Сен Менга ато
қилган улуғворликни уларга бердим, токи Биз бир бўлганимиздек, улар ҳам бир
бўлишсин. 23 Мен улардаман, Сен эса Мендасан. Шундай экан, улар мукаммал
бирликда бўлсинлар. Токи, Мени Сен юборганингни дунё билсин. Мени қандай
севсанг, Меникиларни ҳам шундай севганингни дунё кўрсин.
24 Эй Ота! Сен Менга берган одамлар Мен билан бир жойда бўлишини
хоҳлайман. Сен Менга ато қилган улуғворликни улар ҳам кўрсин, чунки оламни
яратмасингдан олдин Сен Мени яхши кўрар эдинг. 25 Эй одил Ота! Дунё Сени
билмаса ҳам, Мен Сени биламан. Бу одамлар ҳам Мени Сен юборганингни билиб
олдилар. 26 Уларга Сенинг кимлигингни аён қилдим ва аён қилишни давом
эттираверaман. Токи, Менга бўлган севгинг уларнинг юракларида жо бўлсин, Мен
ҳам уларда бўлайин.”

18–БОБ

Исо ҳибсга олинади

1 Бу сўзларни айтгандан сўнг, Исо Ўз шогирдлари билан у ердан чиқиб, Қидрон
сойлигининг* нариги томонига ўтди. Ўша ерда бир боғ бор эди. Исо шогирдлари
билан боққа кирди. 2 Хоин Яҳудо ҳам ўша жойни билар эди, чунки Исо
шогирдлари билан у ерда тез–тез учрашиб турар эди. 3 Шундай қилиб, Яҳудо бир
бўлинма Рим аскарларини ҳамда бош руҳонийлар ва фарзийлар томонидан
юборилган Маъбад миршабларини* бошлаб, у ерга келди. Қўлларида машъалаю
фонуслар, қурол–яроғлар бор эди.
4 Исо бошидан кечадиган ҳамма нарсани билар эди. У одамларга пешвоз чиқиб,
сўради:
— Кимни қидиряпсизлар?
5 — Носиралик Исони, — деб жавоб беришди улар.
— Ўша Менман, — деди Исо.
Хоин Яҳудо уларнинг орасида турган эди. 6 Исо “Ўша Менман” дейиши биланоқ
улар орқага тисарилиб, ерга йиқилишди. 7 Исо улардан яна сўради:
— Кимни қидиряпсизлар?
— Носиралик Исони, — дедилар.
8 — Сизларга айтдим–ку, Ўша Менман, — деди уларга Исо. — Агар Мени
қидираётган бўлсангизлар, буларни қўйиб юборинглар, кетаверишсин.

9 Шу йўсин Исонинг илгари: “Ота, Сен Менга берган одамлардан ҳеч биринингйўқолишига йўл қўймадим*” деган сўзлари бажо бўлди.
10 Шу онда Бутрус* ёнидаги қиличини қинидан суғурди–да, олий руҳонийнинг хизматкорига бир уриб, ўнг қулоғини кесиб ташлади. Хизматкорнинг исми Малхус эди.
11 Исо Бутрусга:
— Қиличингни қинига солиб қўй! Наҳотки Мен осмондаги Отам берган азоб косасидан* ичмасам?! — деди.
12 Шунда Рим аскарлари билан бўлинма қўмондони ва яҳудий миршаблари Исони қўлга олиб, боғлашди. 13 Уни олдин Ханан олдига олиб боришди. Ханан ўша йилги олий руҳоний бўлган Каяфаснинг қайнатаси эди*. 14 Яҳудийларга: “Халқ учун битта одамнинг ўлиши яхшироқ”, деб маслаҳат берган ўша Каяфас* эди.

Бутрус Исодан тонади

15 Исонинг орқасидан Бутрус ва яна бошқа бир шогирд эргашиб боришар эди. Бу шогирд олий руҳоний Хананнинг* таниши бўлиб, Исо билан бемалол олий руҳонийнинг ҳовлисига кирди. 16 Бутрус эса ташқарида, дарвоза олдида қолди. Олий руҳонийга таниш бўлган шогирд кейинроқ яна ташқарига чиқди–да, дарвозабон чўрига нимадир деб, Бутрусни ичкарига олиб кирди. 17 Шунда дарвозабон чўри Бутрусдан:
— Сиз ҳам у Одамнинг шогирдларидан эмасмисиз? — деб сўради.
— Йўқ! — деди Бутрус.
18 Ҳаво совуқ бўлгани учун у ерда турган хизматкорлар билан миршаблар кўмир ёқиб, исинаётган эдилар. Бутрус ҳам уларнинг олдига бориб, исиниб турди.

Исо олий руҳоний Ханан олдида

19 Шу пайтда олий руҳоний Ханан Исони сўроқ қилаётган эди. Шогирдлари ва таълимотига тааллуқли саволлар берди. 20 Исо унга жавоб бериб деди:
— Мен элу оламга очиқ сўзладим. Ҳар доим яҳудийлар йиғиладиган синагогаларда ва Маъбадда таълим бериб юрдим, ҳеч яширинча гап айтмадим. 21 Нега Мени сўроқ қиляпсиз? Гапларимни эшитган одамлардан сўранг. Нималар ҳақида гапирганимни улар билишади.
22 Исо буларни айтиб бўлгач, ёнида турган Маъбад миршабларидан бири Исонинг юзига бир шапалоқ уриб, деди:
— Олий руҳонийга ҳам шундай жавоб берасанми?
23 Исо бунга жавобан деди:
— Агар Мен нотўғри гапирган бўлсам, нотўғри жойини кўрсат. Агар тўғри гапирган бўлсам, нега Мени урасан?
24 Шундан кейин Ханан Исони боғланган ҳолда олий руҳоний Каяфас* ҳузурига юборди.

Бутрус Исодан яна тонади

25 Бутрус олов олдида исиниб тураркан, кимдир ундан:
— Сен ҳам Унинг шогирдларидан эмасмисан? — деб сўради.
— Йўқ! — деб тонди у.
26 Олий руҳонийнинг хизматкорларидан бири Бутрус қулоғини узиб юборган одамнинг қариндоши эди. Бу хизматкор Бутрусга деди:
— Сени боғда У билан кўрдим, шекилли?
27 Бутрус эса яна тонди. Нақ шу пайт хўроз қичқирди.

Исо Пилат ҳузурида

28 Тонг отди. Яҳудийлар Исони Каяфас ҳузуридан олиб чиқиб, ҳоким
Пилатнинг* саройига олиб бордилар. Ўзлари эса булғанишни истамай ҳукумат
саройига кирмадилар*, чунки булғанган одам Фисиҳ таомини* ея олмасди. 29 Шу
сабабли Пилат ташқарига, уларнинг олдига чиқди.
— Бу Одамни нимада айблаяпсизлар? — деб сўради.
30 — Агар У жиноятчи бўлмаганда, Уни сизнинг қўлингизга топширмас эдик,
— деб жавоб беришди улар.
31 — Уни олиб кетиб, ўз қонунингиз бўйича ҳукм қилаверинглар, — деди
Пилат.
— Бизга ҳеч кимни қатл қилишга ижозат берилмаган, — дейишди унга
яҳудийлар.
32 Исо Ўзининг қандай ўлиши ҳақида айтган сўзлари амалга ошиши учун* бу
воқеа содир бўлди.
33 Шунда Пилат яна саройга кирди ва Исони чақиртириб:
— Сен яҳудийларнинг Шоҳимисан? — деб сўради.
34 — Ўзингиз қизиқиб сўраяпсизми, ёки бошқалар сизга Мен тўғримда
айтишдими? — деб сўради Исо.
35 Пилат деди:
— Нима, мен яҳудиймидим?! Ўз халқинг, бош руҳонийларинг Сени менга
топширишди. Сен нима иш қилиб қўйдинг?
36 Исо жавоб берди:
— Менинг Шоҳлигим бу дунёдан эмас. Агар Шоҳлигим бу дунёдан бўлганда
эди, яҳудийларнинг қўлига тушмаслигим учун Менинг хизматкорларим курашар
эдилар. Бироқ Менинг Шоҳлигим бу ердан эмас.
37 — Демак, Сен Шоҳ экансан–да?! — деди Пилат.
— Шоҳ эканимни ўзингиз айтдингиз, — деди Исо. — Мен ҳақиқат тўғрисида
шоҳидлик қилмоқ учун туғилганман, ана шу мақсадда оламга келдим. Ҳақиқат
тарафида бўлган ҳар бир одам Менга қулоқ солади.
38 — Ҳақиқат ўзи нима? — деб сўради Пилат. Шундай деди–ю, яна ташқарига,
яҳудийларнинг олдига чиқди.
— Мен Ундан ҳеч қандай айб топмадим, — деди уларга. 39 — Сизларнинг бир
одатингиз бор–ку, ҳар Фисиҳ байрамида сизлар учун бир маҳбусни озод қилар
эдим. Шунга кўра, сизлар учун яҳудийларнинг Шоҳини озод қилишимни
истайсизларми?
40 — Уни эмас, Бараббасни озод қилинг! — деб бақирди улар.
Бараббас эса исёнда иштирок этганди.

19–БОБ

Исо ўлимга ҳукм қилинади

1 Шундан кейин Пилат* Исони олиб кетишни ва қамчилатишни буюрди. 2 Рим
аскарлари тиканлардан тож ўриб, Исонинг бошига қўйдилар, устига сафсар тўн
кийдирдилар. 3 Исонинг олдига қайта–қайта келиб:
— Яшавор–э, яҳудийларнинг Шоҳи! — деб, Уни тарсакилар эдилар.
4 Пилат яна ташқарига чиқиб, яҳудийларга хитоб қилди:
— Мана, Уни олдингизга чиқаряпман, билиб қўйинглар, мен Ундан ҳеч қандай
айб тополмадим!
5 Шу пайт бошида тиканли тож, эгнида сафсар тўн билан Исо ташқарига чиқди.

— Мана, у Одам! — деди Пилат уларга. 6 Бош руҳонийлар ва Маъбад миршаблари* Исони кўриб, бақиришди:
— Хочга михлансин! Хочга михлансин!
— Уни сизлар олиб хочга михланглар! Мен Ундан ҳеч қандай айб тополмадим, — деди Пилат уларга. 7 Яҳудийлар унга жавобан:
— Бизда қонун бор, қонунимизга кўра*, У ўлиши керак, чунки У Ўзини Худонинг Ўғли* деб айтяпти, — дедилар.
8 Пилат буни эшитгач, юраги орқага тортиб кетди. 9 Қайтадан ҳукумат саройига кириб, Исодан:
— Сен қаердансан? — деб сўради. Исо унга жавоб бермади.
10 — Менга жавоб бермайсанми?! — деди Пилат. — Сени озод қилишга ёки хочга михлашга менда ҳокимият борлигини билмайсанми?!
11 Исо жавоб берди:
— Агар Худо йўл қўймаганда эди, сиз Менга ҳеч қандай ҳукмингизни ўтказа олмас эдингиз. Шу сабабдан Мени сизнинг қўлингизга тутиб берган одамнинг гуноҳи сизнинг гуноҳингиздан каттароқ.
12 Шундан кейин Пилат Исони қўйиб юборишга чора излай бошлади. Аммо яҳудийлар шундай деб қичқиришди:
— Агар Уни қўйиб юборсангиз, сиз Қайсарнинг* дўсти эмассиз. Ўзини шоҳ дейдиган ҳар бир киши Қайсарга қарши чиққан бўлади!
13 Пилат бу сўзни эшитгач, Исони ташқарига олиб чиқди ва Тош супа деб ном олган жойдаги ҳукм курсисига ўтирди (бу жойнинг орамийча* номи Габбата эди). 14 Ўша куни Фисиҳ байрами* арафаси, туш маҳали* эди. Пилат яҳудийларга хитоб қилди:
— Мана, Шоҳингиз!
15 — Йўқ қилинг Уни, йўқ қилинг! Хочга михланг! — деб бақирди улар.
— Сизларнинг Шоҳингизни хочга михлаб қўяймми? — деб сўради Пилат.
— Қайсардан бошқа шоҳимиз йўқ, — дейишди бош руҳонийлар.
16 Охири Пилат Исони хочга михлаш учун аскарларига топширди. Улар эса Исони олиб кетдилар.

Исони хочга михлашади

17 Исо Ўз хочини* кўтариб, шаҳар ташқарисидаги Бош суяги деган жойга келди (бу жойнинг орамийча номи Гўлгота эди). 18 У ерда Исони хочга михлаб қўйдилар. У билан бирга яна иккита одамни ҳам хочга михладилар. Уларнинг бири Исонинг бу томонида, бошқаси у томонида, Исо эса ўртада эди. 19 Пилат бир лавҳага: “Яҳудийларнинг Шоҳи Носиралик Исо” деган сўзларни ёзиб, лавҳани хочга остириб қўйди.
20 Исо хочга михланган жой шаҳарга яқин бўлгани учун, бу лавҳани кўп яҳудийлар ўқидилар. Лавҳа орамий, лотин ва юнон тилларида ёзилган эди.
21 Яҳудий бош руҳонийлари эса Пилатга бориб шундай дедилар:
— “Яҳудийларнинг Шоҳи” деб ёзманг, балки “Бу Одам яҳудийларнинг Шоҳи бўлишга даъвогарлик қилган” деб ёзинг.
22 — Мен қандай ёзган бўлсам, шундайлигича қолсин, — деди Пилат.
23 Аскарлар Исони хочга михлаб бўлиб, Унинг кийимларини олдилар. Кийимларини тўрт бўлакка бўлиб, ҳар бир аскарга бердилар. Ички кўйлагини ҳам олдилар. Ички кўйлак бошдан–оёқ чоксиз бир тўқима эди. 24 Аскарлар бир–бирига:
— Буни йиртмайлик, бу учун қуръа ташлаймиз, кимга тушса, ўшаники бўлсин, — дейишди.

Шу тариқа Муқаддас битиклардаги қуйидаги сўзлар бажо бўлди:

“Кийимларимни улар ўзаро бўлишган,
Либосим учун қуръа ташлашган.”*

Аскарлар худди шундай қилдилар.
25 Исонинг хочи ёнида Унинг онаси ва холаси, Клопаснинг хотини Марям ҳамда Магдалалик* Марям турар эдилар. 26 Исо онасини ва онаси ёнида турган севикли шогирдини* кўрди. Исо онасига:
— Мана бу сизнинг ўғлингиз! — деди. 27 Кейин шогирдига қараб:
— Мана бу сенинг онанг! — деди.
Ўша вақтдан бошлаб шогирд Марямни ўз уйига олди.

Исо жон беради

28 Исо ҳамма ишларини тугатганини биларди. Муқаддас битиклар* бажо бўлсин деб, У:
— Чанқадим! — деди.
29 Бу ерда арзон шаробга* тўла бир идиш турган эди. Аскарлар шаробга шимгични ботирдилар–да, таёқнинг* учига илиб, Исонинг оғзига олиб бордилар. 30 Исо шаробни татиб кўргач:
— Амалга ошди! — деди–ю, бошини эгиб, жон берди.
31 Ўша куни Шаббат арафаси эди. Эртанги Шаббат куни ниҳоятда табаррук кун* ҳисобланган учун, яҳудийлар жасадларни хочда қолдиришни истамадилар. Улар Пилатнинг олдига бориб, хочга михланган одамларнинг болдирларини синдириб ташлаб*, хочдан туширишни сўрадилар. 32 Шунда аскарлар бориб, Исо билан бирга хочга михланган биринчи, сўнгра иккинчи одамнинг болдирларини синдириб ташладилар. 33 Исонинг олдига келиб, Унинг ўлиб бўлганини кўрдилар. Шунинг учун болдирларини синдирмадилар. 34 Лекин аскарлардан бири Исонинг биқинини найза билан тешди, шу заҳоти Унинг биқинидан қон билан сув оқиб чиқди. 35 Бу ҳодисани кўрган киши*, сизлар ҳам ишонинглар деб, гувоҳлик бериб келмоқда. Унинг гувоҳлиги ҳақиқатдир, у ҳақиқат айтаётганини билади. 36 Бу ҳодиса Муқаддас битиклардаги: “Бирорта ҳам суяги синдирилмайди”* деган сўзлар амалга ошиши учун рўй берди. 37 Муқаддас битикларнинг бошқа бир жойида шундай дейилган: “Улар ўзлари найза санчган Одамга қарайдилар.”*

Исо дафн қилинади

38 Ариматеялик* Юсуф Исонинг шогирди эди, лекин яҳудийлардан қўрққани учун буни яшириб юрар эди. Исо ўлгандан кейин Юсуф Пилатдан Исонинг жасадини хочдан тушириб олишни илтимос қилди. Пилат ижозат берди. Шунда Юсуф бориб, Исонинг жасадини хочдан тушириб олди. 39 Илгари Исонинг олдига кечаси борган Никодим* ҳам Юсуф билан бирга эди. Никодим икки пуд* мирра* ва алоэ мойларининг қоришмасини олиб келганди. 40 Улар иккови Исонинг жасадини олиб, яҳудийларнинг дафн одатларига кўра, бу муаттар моддаларни суртиб, Уни кафанладилар. 41 Исо хочга михланган жойнинг яқинида бир боғ бор эди. У боғда ҳали ҳеч ким қўйилмаган янги бир қабр бор эди. 42 Ўша кун яҳудийларнинг Шаббат арафаси бўлгани учун улар, бу жой яқинроқ, деб Исонинг жасадини ўша қабрга қўйдилар.

20–БОБ

Исо тирилади

1 Якшанба куни эрта саҳарда, кун ёришмасдан, Магдалалик* Марям қабрнинг
олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди. 2 Сўнг у югуриб,
Бутрус* ва Исонинг севикли шогирди* олдига бориб деди:
— Ҳазратимизнинг жасадини қабрдан олиб кетишибди. Уни қаерга
қўйишганини билмаймиз.
3 Бутрус ва бошқа шогирд қабр томон жўнашди. 4 Иккови бирга югуриб
кетишди. Аммо у шогирд Бутрусдан тезроқ югуриб, қабрга биринчи бўлиб етиб
келди. 5 У энгашиб ичкарига қаради–да, у ерда ётган кафанни кўрди. Лекин қабрга
кирмади. 6 Унинг орқасидан Бутрус етиб келиб, қабрга кирди. У ерда ётган
кафанни 7 ва Исонинг бошига ўралган рўмолни кўрди. Аммо рўмол кафан билан
бирга эмас, алоҳида жойга йиғиштириб қўйилган эди. 8 Шунда аввал келган
шогирд ҳам қабрга кирди. Кўргандан кейингина ишонч ҳосил қилди. 9 Чунки улар
Муқаддас битиклардаги, Исо ўликдан тирилиши керак деган сўзларни шу
пайтгача тушунмаган эдилар.

Исо Марямга зоҳир бўлади

10 Шундан сўнг шогирдлар яна ўз уйларига қайтиб кетдилар. 11 Марям эса
қабрнинг ташқарисида турганича, йиғлар эди. Йиғлаётиб, бир эгилиб қабр ичига
қаради. 12 Шунда оқ кийим кийган икки фариштани кўриб қолди. Бири Исонинг
жасади ётган жойнинг бош томонида, иккинчиси эса оёқ томонида ўтирган эди.
13 Улар Марямга:
— Эй аёл, нега йиғлаяпсан? — дейишди.
— Ҳазратимнинг жасадини олиб кетишибди, Уни қаерга қўйишганини
билмайман, — деди у. 14 Шундай деди–ю, орқасига бурилиб, у ерда турган Исони
кўрди. Лекин Унинг Исо эканлигини билмади.
15 — Эй аёл, нега йиғлаяпсан? Кимни қидиряпсан? — деб сўради ундан Исо.
Марям Уни боғбон деб ўйлади. Унга шундай деди:
— Тақсир, агар Уни сиз олиб кетган бўлсангиз, қаерга қўйганингизни менга
айтинг, мен бориб Уни олай.
16 Исо унга:
— Марям! — деди.
Марям Исога қайрилиб қаради–да, орамийчалаб*:
— Раввуний! — деди. (Раввуний “устозим” демакдир.)
17 — Мени ушлаб турма! — деди Исо Марямга. — Мен самовий Отанинг олдига
чиқиб кетяпман. Сен бориб биродарларимга гапларимни етказ: “Мен Отамнинг
олдига чиқиб кетяпман. У сизларнинг ҳам Отангиздир. У Менинг Худойим ва
сизларнинг Худойингиздир.”
18 Шунда Магдалалик Марям шогирдларнинг олдига бориб:
— Мен Раббимиз Исони кўрдим! — деди. Сўнг Исонинг унга айтган гапларини
уларга етказди.

Исо шогирдларига зоҳир бўлади

19 Ўша якшанба куни оқшомда шогирдлар тўпланган эдилар. Улар
яҳудийлардан қўрқиб, уйнинг эшикларини қулфлаб олган эдилар. Шу пайт Исо
келди, ўрталарида туриб шогирдларига:
— Сизларга тинчлик бўлсин! — деди. 20 Сўнг уларга қўлларини* ва биқинини
кўрсатди. Шогирдлар Раббимиз Исони кўриб, хурсанд бўлиб кетдилар.

21 Исо яна уларга деди:
— Сизларга тинчлик бўлсин! Осмондаги Отам Мени дунёга юборгани сингари, Мен ҳам сизларни дунёга юборяпман.
22 Шундай деб, уларнинг устига пуфлади–да:
— Муқаддас Руҳни қабул қилинглар, — деди. 23 — Сизлар кимнинг гуноҳларини кечирсангизлар, у кечирилади. Кимнинг гуноҳларини кечирмасангизлар, у кечиримсиз қолаверади.

Исо билан Тўма

24 Исо келганда ўн икки шогирддан бири Тўма, яъни Дидимус* шогирдлар орасида йўқ эди. 25 Бошқа шогирдлар унга:
— Биз Раббимиз Исони кўрдик, — дейишди. Тўма уларга шундай деди:
— Унинг қўлларидаги мих чандиқларини ўзим кўрмагунимча, мих чандиқларига бармоғимни теккизмагунимча, биқинига қўлим билан тегиб кўрмагунимча ишонмайман.
26 Кейинги якшанба куни Исонинг шогирдлари яна уйда тўпланган эдилар. Бу сафар Тўма ҳам улар билан бирга эди. Уйнинг эшиклари қулф эди. Шунга қарамай Исо кирди, ўрталарида туриб:
— Сизларга тинчлик бўлсин! — деди. 27 Кейин Тўмага қараб:
— Бармоғингни бу ёққа теккиз! Қўлларимни кўр. Қўлингни узатиб, биқинимга тегиб кўр. Иккиланишни бас қил, ишон! — деди. 28 Тўма Исога:
— Ё Раббим, Худойим! — деди. 29 Исо унга шундай деди:
— Сен Мени кўрганинг учун ишондинг. Мени кўрмай ишонганлар нақадар бахтлидир!

Китобнинг моҳияти

30 Исонинг бу китоб таркибига киритилмаган яна кўп мўъжизали аломатларига шогирдлар гувоҳ бўлганлар. 31 Китобга киритилган мўъжизалар эса сизлар учун ёзилган. Токи сизлар Исонинг Масиҳ, Худонинг Ўғли* эканлигига ишониб, бу имонингиз туфайли ҳаётга эга бўлинглар.

21–БОБ

Исо кўл бўйида зоҳир бўлади

1 Бу ҳодисалардан кейин Исо Жалила кўли* бўйида яна шогирдларига зоҳир бўлди. Бу шундай рўй берди: 2 Бутрус*, Тўма, яъни Дидимус*, Жалиладаги Каъна қишлоғидан бўлган Натанил, Забадиёнинг ўғиллари* ва бошқа икки шогирд — ҳаммалари бирга йиғилган эдилар. 3 Бутрус ёнидагиларга:
— Мен кетдим, балиқ тутаман, — деди.
— Биз ҳам сен билан борамиз, — дейишди улар. Сўнг қайиққа тушиб, жўнаб кетишди. Лекин ўша кеча ҳеч нарса тутишолмади.
4 Кун ёришганда, Исо қирғоқда турган эди. Шогирдлари эса Унинг Исо эканлигини билмадилар.
5 — Йигитлар, балиғингиз борми? — деб сўради Исо улардан.
— Йўқ, — деб жавоб берди улар.
6 — Тўрингизни қайиқнинг ўнг томонига ташланглар, шунда тутасизлар, — деди Исо.
Улар тўрни ташладилар. Балиқ кўплигидан уни тортиб ололмадилар. 7 Шу пайт Исонинг севикли шогирди*:
— Бу Раббимиз Исо–ку! — деди Бутрусга. Бутрус буни эшитиши биланоқ, узун

кўйлагининг этакларини белига қистирди–ю, кўлга сакради. 8 Бошқа шогирдлар эса балиқ тўла тўрни судраганча, қайиқда келдилар. Улар қуруқликка яқин, тахминан икки юз тирсак* масофада эдилар. 9 Қирғоққа чиққанларида, нонни ва ёнган кўмир устида пишаётган балиқни кўрдилар.

10 Исо уларга:

— Ҳозир тутган балиғингиздан олиб келинглар, — деди. 11 Бутрус бориб, тўрни қирғоққа тортиб чиқарди. Тўр катта балиқларга тўла эди. Ҳаммаси бўлиб 153 та балиқ бор эди. Балиқлар кўплигига қарамасдан, тўр йиртилмади.

12 Исо шогирдларига:

— Қани, келинглар, нонушта қилиб олинглар, — деди. Улардан ҳеч бири: “Сиз кимсиз?” деб сўрашга ботинолмади, чунки Унинг Раббимиз Исо эканлигини билар эдилар. 13 Исо уларнинг олдига бориб, нондан берди, балиқдан ҳам берди.

14 Шу йўсин Исо тирилгандан кейин учинчи марта шогирдларига зоҳир бўлди.

Исонинг Бутрусга саволи

15 Исо нонуштадан кейин Шимўн Бутрусдан* сўради:

— Юҳанно* ўғли Шимўн, сен Мени улардан кўпроқ яхши кўрасанми?

— Ҳа, Раббим! Мен Сени яхши кўришимни Ўзинг биласан–ку, — деди Унга Бутрус.

— Қўзиларимни ўтлат, — деди унга Исо.

16 Исо иккинчи марта Бутрусдан сўради:

— Юҳанно ўғли Шимўн, сен Мени яхши кўрасанми?

— Ҳа, Раббим! Сени яхши кўришимни Ўзинг биласан–ку, — деди Бутрус Унга.

— Қўйларимни боқ, — деди унга Исо.

17 Сўнг учинчи марта Бутрусдан сўради:

— Юҳанно ўғли Шимўн, сен Мени яхши кўрасанми?

Исо учинчи марта яна шу саволни бергани учун Бутрус хафа бўлди.

— Раббим! Сен ҳамма нарсани биласан, мен Сени яхши кўришимни ҳам биласан, — деди Бутрус. Исо унга шундай деди:

— Қўйларимни ўтлат! 18 Сенга чинини айтайин: ёш бўлганингда камарингни ўзинг боғлар эдинг, хоҳлаган жойингга борар эдинг. Қариганингда эса қўлларингни узатасан, бошқа биров сени боғлайди, сени хоҳламаган жойингга олиб боради.

19 Исо бу сўзлар орқали Бутруснинг қай йўл билан ўлиб, Худони улуғлашини билдирди*. Сўнгра унга:

— Ортимдан юр! — деди.

Исо ва Унинг севикли шогирди

20 Бутрус бурилиб, Исонинг севикли шогирди* орқаларидан эргашиб келаётганини кўрди. Бу шогирди кечки зиёфатда энгашиб, Исодан: “Ҳазрат, Сизни ким тутиб беради?” — деб сўраган эди. 21 Бутрус уни кўриб, Исодан:

— Раббим, унинг тақдири нима бўлади? — деб сўради. 22 Исо унга:

— Мен келгунимгача унинг тирик қолишини истасам, бундан сенга нима?! Сен ортимдан юравер, — деди.

23 Шундай қилиб, имонлилар орасида бу шогирд ўлмайди деган гап–сўз тарқалиб кетди. Ҳолбуки, Исо уни ўлмайди, демаганди. У фақат: “Агар Мен келгунимгача унинг тирик қолишини истасам, бундан сенга нима?!” — деб айтган эди.

Хотима

24 Ана шу шогирд бу ҳодисаларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлиб, уларни ёзиб олган.

Унинг гувоҳлиги ҳақиқат эканлигини биламиз. 25 Исо яна кўп бошқа ишлар
қилган. Булар бирма–бир ёзиб чиқилганда эди, ёзилган китоблар оламга ҳам
сиғмас эди, деб ўйлайман*.

ИЗОҲЛАР

Худонинг Ўғли — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

1:1 *Калом* — юнонча матнда *логос*. Бу юнонча сўз яҳудийлар учун ҳам, юнонлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Юнон файласуфлари бу сўзни ишлатганларида нафақат оғиздан чиққан сўзни, балки ҳали тилга олинмаган, хаёлдаги фикрни ҳам назарда тутганлар. Улар бу сўзни коинотга нисбатан ишлатганларида, бутун коинотни бошқариб турган, борлиқ асосидаги илоҳий онгни назарда тутганлар. Баъзи юнонлар *логос* сўзини коинот манбаи ва ижодкори бўлган бош Худога нисбатан ишлатганлар. Кўп юнонзабон яҳудийлар *логос* сўзини Худонинг донолигига ёки Худонинг каломига нисбатан ишлатганлар, баъзан эса Худонинг бу дунёдаги ишларини амалга оширадиган илоҳий зот тимсолида тасаввур қилганлар. Шулардан кўриниб турибдики, Юҳанно бу ўринда яҳудийларга ҳам, юнонларга ҳам тушунарли бўлган сўзни ишлатган.

1:3 *Бутун борлиқ Калом орқали яратилган* — Забур 32:6, 9, Колосаликлар 1:15-17, Ибронийлар 1:2-3 га қаранг.

1:9 *Ҳар бир одамни ёритадиган ҳақиқий Нур дунёга келаётган эди* — ёки *Бу Нур ҳақиқий Нур эди, У дунёга келган ҳар бир одамни ёритарди*. Бу ўриндаги юнонча гапни юқоридагидай икки хил маънода тушуниш мумкин, аммо китобнинг кейинги оятларидан кўриш мумкинки, муаллиф *дунёга келаётган* ибораси остида, ҳақиқий Нурга, яъни Исо Масиҳга ишора қилган (12:46 га қаранг, яна 6:14, 9:39, 11:27, 16:28 га қаранг).

1:13 *...Табиий йўл билан эмас...* — юнонча матнда *...Қондан эмас...*. Ота–онадан туғилишга ишора.

1:14 *яшади* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз чодир ўрнатиш маъносини ифодалаб, Эски Аҳддаги Муқаддас чодирни, Худо Ўз халқи орасида яшайдиган жойни эслатади (Чиқиш 25:8 га қаранг).

1:14 *Ота* — Худога ишора. Бу унвон Муқаддас Китобдаги бошқа ҳамма китобларга қараганда Юҳанно китобида кўп ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

1:14 *Ўғил* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

1:18 *Самовий Отанинг бағридаги, Аслида Худо бўлган ягона Ўғил* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *самовий Отанинг бағридаги ягона Ўғил*.

1:19-20 *руҳоний* — Қуддусдаги Маъбадда хизмат қиладиган эътиборли дин раҳнамоси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

1:19-20 *леви* — Қуддусдаги Маъбадда руҳонийга хизмат қилишда ёрдам берадиган одам. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР сўзига қаранг.

1:19-20 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида

башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

1:21 *Илёс* — Эски Аҳд даврида яшаган энг буюк пайғамбарлардан бири. Яҳудийлар Илёснинг қайтиб келишини интизорлик билан кутишарди (Малаки 4:5-6 га қаранг).

1:21 *Биз кутаётган пайғамбармисан?* — Мусо Исроил халқига, Худо сизлар учун менга ўхшаган пайғамбар юборади, бу пайғамбар ўз орангиздан келиб чиқади, деб айтган эди (Қонунлар 18:15-19 га қаранг). Кўп яҳудийлар бу пайғамбар дунёнинг сўнгги дамларида келиб, уларни золимлардан қутқаришига ишонардилар. Мусонинг башорати Исо Масиҳда рўёбга чиқди (Ҳаворийлар 3:17-26 га қаранг).

1:23 *Ишаё пайғамбар айтганидай…* — муаллиф бу ўринда Ишаё 40:3 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

1:24 *Фарзийлар* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга ҳамда покланиш удумларига изчил амал қилардилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАРЗИЙ сўзига қаранг.

1:24 *Фарзийлар томонидан юборилган бу одамлар…* — ёки *Баъзи фарзийлар ҳам юборилган эдилар. Улар….*

1:27 *У менинг ортимдан келяпти…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *У менинг ортимдан келяпти, лекин мендан илгари бор бўлган*.

1:28 *Байтания* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Байтавара*. Бу оятдаги Байтания қишлоғи Марям ва Мартанинг акаси Лазар яшаган, Қуддус ёнидаги Байтания эмас (11:1 га қаранг).

1:34 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

1:38 *Раввий* — орамийча сўз. Баъзи китобхонлар орамий тилини билмаганлари учун, муаллиф мана шу сўзнинг маъносини тушунтириб ўтган. Китобнинг бошқа жойларида орамийча *Раввий* сўзи *Устоз* деб таржима қилинган.

1:39 *соат тўрт* — юнонча матнда *ўнинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

1:40 *Шимўн* — юнонча матнда *Шимўн Бутрус*. Бутрус исмини унга Исо Масиҳ берган эди (шу бобнинг 42–оятига қаранг). Баъзан у ҳақда сўз юритилганда, иккала исм ҳам биргаликда ишлатилади.

1:42 *Юҳанно* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида бу исмнинг бошқа варианти *Юнус*.

1:42 *Кифас* — орамийча исм.

1:45 *Натанил* — анъанага кўра, Бартоломейнинг яна бир исми. Бартоломей ўн икки ҳаворийдан бири эди (Матто 10:3, Марк 3:18, Луқо 6:14 га қаранг). Бу орамийча исмнинг маъноси *Толомей ўғли* деганидир.

1:45 *…Таврот китобида…пайғамбарлар…ўзларининг битикларида…* — одатда яҳудийлар, Эски Аҳд тўплами уч қисмдан иборат, деб айтадилар. Бу уч қисм қуйидагилардир: Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади), Пайғамбарлар битиклари (унинг таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) ва Битиклар (Забур бу қисмнинг биринчи китобидир). Яҳудийлар баъзан

дастлабки икки қисм “Таврот ва Пайғамбарлар битиклари” деганда бутун Эски Аҳд тўпламини назарда тутадилар.

1:47 *...Исроилнинг ҳақиқий авлоди...ҳийла деган нарсани билмайди* — бу ўринда Ёқуб ва ҳийла сўзларига сўз ўйини ишлатилган бўлиши мумкин, чунки Ёқуб исми “ҳийла, ёлғон” маъноси билдирадиган сўздан келиб чиққан (Ибтидо 25:26 изоҳига қаранг). Таржимада айтиб ўтилган Исроил Ёқубнинг иккинчи исми эди. Худо Ёқубга Исроил деб исм беришдан олдин, Ёқуб акаси Эсовни ва ўз отаси Исҳоқни алдаган эди.

1:51 *Инсон Ўғли* — Исо Масиҳ кўпинча Ўзига нисбатан ишлатган унвон. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИНСОН ЎҒЛИ иборасига қаранг.

1:51 *...сизлар...кўрасизлар* — яҳудийларнинг бобокалони Ёқуб акаси Эсовдан қочаётган пайтда шунга ўхшаган туш кўрган эди (Ибтидо 28:10-15 га қаранг). Бу оятда Исо Ўзининг ҳокимияти осмондан берилганини, У орқали Худо Ўзини ер юзида танитишини ва Ёқубга тушида берган ваъдасини бажаришини назарда тутади.

2:6 *ўн–ўн икки челак* — юнонча матнда *икки–уч ўлчов*, тахминан 80-120 литрга тўғри келади.

2:13 *Фисиҳ байрами* — Фисиҳ зиёфатига ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрамига ишора. Бу байрамлар Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланар эди (Чиқиш 12:1-42, 13:3-10 га қаранг).

2:14 *саррофлар* — пул айирбошловчилар. Улар Рим ва Юнон тангаларини яҳудийларнинг шақалига алмаштирганлар. Маъбад солиғини тўлаш ва қурбонлик қилинадиган ҳайвонларни сотиб олиш учун шақал ишлатилган.

2:17 Забур 68:10 га қаранг.

2:20 *Бу Маъбад қирқ олти йилдан бери қуриляпти...* — Буюк Ҳирод (милоддан олдинги 37-4 йилларда ҳукмронлик қилган) Маъбадни милоддан олдинги 19 йилда қайта қуришни бошлаган ва қурилиш ишлари Исо Масиҳ даврида ҳам давом этаётган эди.

3:3 *қайтадан* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз *қайтадан* ёки *юқоридан* деган маъноларни билдиради. Муаллиф бу иккала маънони ҳам назарда тутган бўлиши мумкин. Бу юнонча сўз шу бобнинг 7, 31–оятларида ҳам ишлатилган.

3:3 *Худонинг Шоҳлиги* — Худонинг ҳозирги пайтда инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлиги ва охиратда ҳар бир яратилган мавжудотнинг янгиланишига ишора. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

3:13 *Осмондан тушган...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *осмонда истиқомат қиладиган ва осмондан тушган*.

3:14 *бронза илон* — Саҳрода 21:4-9 га қаранг.

3:14 *Инсон Ўғли ҳам худди шундай юқорига кўтарилиши керак...* — Исонинг хочдаги ўлимига ишора (12:31-33 га қаранг).

3:15 *...имонга келган ҳар бир киши У орқали абадий ҳаётга эга бўлади* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Унга ишонган ҳеч бир киши ҳалок бўлмайди, балки абадий ҳаётга эга бўлади*.

3:16 *Зеро...* — шу бобнинг 16-21–оятлари Исонинг гаплари бўлиши мумкин ёки

Юҳанно Исонинг сўзларидан хулоса чиқариб ёзаётган бўлиши мумкин.

3:23 *...Салейм...Эйнон ери...* — уларнинг қаерда жойлашгани баҳсли.

3:24 *...Яҳё зиндонга ташланишдан олдин...* — Марк 6:17-18 га қаранг.

3:31 *Юқоридан...* — шу бобнинг 31-36–оятлари Яҳёнинг гаплари бўлиши мумкин ёки Юҳанно Яҳёнинг сўзларидан хулоса чиқариб ёзаётган бўлиши ҳам мумкин.

3:36 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

4:5 *Сихар...Ёқуб* — Сихар шаҳри Шакам яқинида бўлган. Иброҳимнинг набираси Ёқуб Шакамга яқин жойдан ер сотиб олган эди (Ибтидо 33:18-19 га қаранг). Кейинчалик бу ер Юсуфнинг авлодларига улуш қилиб берилган (Ёшуа 24:32 га қаранг).

4:6 *туш пайти* — юнонча матнда *олтинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

4:9 *...Самариялик аёл бўлсам, қандай қилиб мендан сув сўрашга журъат этдингиз?!* — яҳудийлар Самарияликлардан ҳазар қилишар эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САМАРИЯЛИК сўзига қаранг. Эркак кишининг бегона аёл билан гаплашиши ҳам одатий ҳол эмас эди (шу бобнинг 27–оятига қаранг).

4:19 *Ҳазрат* — юнонча матнда *куриос*. Бу ўринда обрў–эътиборли инсонга нисбатан ишлатиладиган сўз сифатида қўлланган (шу бобнинг 11, 15–оятларида *тақсир* сўзи билан таржима қилинган). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ... сўзига қаранг.

4:20 *бу тоғ* — Гаризим тоғи назарда тутилган. Худога сажда қилишга энг муносиб жой қаерда эканлиги ҳақида яҳудийлар ва Самарияликлар ўртасида анчадан бери қизғин баҳс борарди. Самарияликларнинг айтиши бўйича, Худога сажда қилиш учун энг муносиб бўлган жой Қуддусдаги Сион тоғи эмас, балки улар табаррук ҳисоблаган Гаризим тоғидир. Аёл "ота–боболаримиз" деганда ўша ерда қурбонгоҳ қурган ва Худога сажда қилган Иброҳим ва Ёқубни назарда тутган (Ибтидо 12:6-7, 33:18-20 га қаранг). Самарияликларнинг Тавротига кўра, Мусо халққа Эбал тоғида эмас, балки Гаризим тоғида қурбонгоҳ қуришни буюрганди (Қонунлар 27:2-7 га қаранг). Самарияликлар ўзларининг бу қарашларини мана шу оятлар билан асосламоқчи бўлардилар. Улар тахминан милоддан олдинги 400 йилда Гаризим тоғида маъбад қурганлар. Бу маъбадни яҳудийлар тахминан милоддан олдинги 128 йилда бузиб ташлаганлар. Бунинг оқибатида яҳудийлар ва Самарияликлар орасидаги душманлик янада кучайган.

4:22 *Сизлар...кимга сажда қилаётганингизни билмайсизлар...* — Самарияликларнинг Худо ҳақидаги тушунчаси чекланганди, чунки улар Эски Аҳдни тўлиғича қабул қилмасдилар. Уларнинг Муқаддас битиклари фақатгина Тавротдан иборат эди.

4:42 *...оламнинг Нажоткори эканлигига амин бўлдик* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *оламнинг Нажоткори — Масиҳ эканлигига амин бўлдик*.

4:46 *сарой амалдори* — Ҳирод Антипаснинг амалдорларидан бири бўлиши мумкин. Ҳирод Антипас Жалила ва Перея ҳудудларида ҳукмронлик қилган.

4:52 *соат бирларда* — юнонча матнда *еттинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

5:2 *орамийча* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз иброний тилини ёки орамий тилини билдириши мумкин. Ўша пайтда қадимги Фаластинда яшаган яҳудийлар одатда орамий тилида гаплашар эдилар.

5:2 *Байтзада* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Байтҳасда*.

5:3-4 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 3–оятнинг охири ва 4–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Улар сувнинг қимирлашини интизор бўлиб кутар эди. [4] Чунки Эгамизнинг бир фариштаси гоҳ–гоҳ ҳовузга тушиб, сувни ҳаракатга келтирар эди. Сув қимирлаши билан ҳовузга биринчи бўлиб ким тушса, ҳар қандай хасталикдан халос бўлар эди.*

5:10 *Шу куни тўшакни кўтариб юриш қонунда ман этилган!* — фарзийлар Тавротдаги қонунни (Чиқиш 34:21, Еремиё 17:21-22, Нахимиё 13:15 га қаранг) ўзларича жиддий шарҳлаб, ҳатто инсон ҳаётига оид икир–чикирларни ҳам қонун даражасига кўтарганлар. Шунинг учун улар соғайиб кетган одам қилган ишни Шаббат кунига хилоф иш деб ҳисоблаганлар. Яна Матто 12:9-12 га қаранг.

5:16 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *ва Уни ўлдириш йўлини излай бошладилар*.

5:25 *Худо Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

5:39 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

6:1 *...Жалила кўлининг нариги қирғоғига...* — бу ибора кўлнинг ўша қирғоғидаги бошқа бир жойга қайиқ билан сузиб боришни ҳам билдириши мумкин. Исо айнан қаерда оломонга таом етказиб бергани аниқ эмас. Анъанага кўра, Исо бир неча минг кишини тўйдирган бу жой кўлнинг шимоли–ғарб томонида, Жалиладаги Байтсайдага яқин эди.

6:7 *икки юз кумуш танга* — юнонча матнда *икки юз динор*. Динор Рим кумуш тангаси бўлиб, мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

6:8 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн Бутрус* (шу бобнинг 68–оятида ҳам бор). 1:40 изоҳига қаранг.

6:11 *...ўтирганларнинг ҳаммасига тарқатди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *шогирдларига, шогирдлар эса ўтирганларнинг ҳаммасига тарқатди*.

6:14 *дунёга келиши керак бўлган пайғамбар* — 1:21 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

6:17 *кўлнинг нариги томони* — шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

6:19 *беш чақиримча* — юнонча матнда *25-30 стадион*, тахминан 5-6 километрга тўғри келади.

6:23 *Тиберияс* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғида жойлашган шаҳар.

6:25 *кўлнинг нариги бўйи* — шу бобнинг 1–ояти изоҳига қаранг.

6:31 *манна* — Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин то Канъон юртига киргунча, Худо уларга етказиб турган махсус егулик. Манна, Шаббат кунидан ташқари, ҳар куни кечаси ерга ёғиларди, одамлар саҳарда туриб, уни йиғиб олишарди (Чиқиш 16:13-35, Ёшуа 5:12 га қаранг).

6:31 Забур 77:24 га қаранг.

6:45 Ишаё 54:13 га қаранг.

6:69 *Худонинг Азизи* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Масиҳ — барҳаёт Худонинг Ўғли*.

7:2 *Чайла байрами* — бу байрам кузда йиғим–терим тугаган пайтга тўғри келади.

7:21 *Мен Шаббат куни битта мўъжиза қилганим…* — 5:1-18 га қаранг.

7:22 *суннат одати* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

7:32 *бош руҳонийлар* — жамиятнинг бошқа эътиборли одамлари қаторида Олий кенгаш аъзолари эдилар. Олий кенгаш яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БОШ РУҲОНИЙЛАР иборасига қаранг.

7:32 *Маъбад миршаблари* — Маъбадни қўриқлаш ва у ерда тартиб сақлаш учун масъул бўлган яҳудий ҳарбийлари.

7:35 *…бошқа юртларда…Ғайрияҳудийларга…* — юнонча матнда *…юнонлар орасида…Юнонларга….* Ўша даврда *юнонлар* сўзи нафақат миллати юнон бўлган, балки юнон тилида сўзлашувчи, юнон урф–одатларига риоя қилувчи одамларга нисбатан ҳам ишлатилган. Бу ўринда яҳудийларнинг Худосига сажда қилган ғайрияҳудийлар назарда тутилган бўлиши мумкин (12:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

7:40 *биз кутган пайғамбар* — 1:21 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

7:42 *Муқаддас битикларда…деб айтилмаганми?!* — Михо 5:2 га қаранг.

7:50 *Никодим* — 3:1-15 га қаранг.

7:52 Юҳанно китобининг энг қадимги юнон қўлёзмалари ва таржималари 7:53-8:11 ни ўз ичига олмаган.

8:1 *Зайтун тоғи* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонидаги тепалик.

8:3 *Таврот тафсирчилари* — Мусонинг қонунини жуда яхши билган зиёли одамлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ТАВРОТ ТАФСИРЧИСИ иборасига қаранг.

8:5 *Мусо қонунда…буюрган* — Қонунлар 22:22-24 га қаранг.

8:9 *…бу гапни эшитиб…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бу гапни эшитиб, виждонан фош бўлишди*.

8:17 Қонунлар 19:15 га қаранг.

8:28 *Инсон Ўғлини юқорига кўтарганингизда…* — Исонинг хочдаги ўлимига ишора (3:14, 12:31-33 га қаранг).

8:48 *Самариялик* — яҳудийлар Самарияликлардан ҳазар қилишар эди. Бу ўринда камситиш ниятида ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.

8:58 *…Иброҳим туғилмасдан олдин Мен бор бўлганман* — Исонинг бу гапини яҳудийлар куфрлик деб ҳисоблаб, Уни тошбўрон қилмоқчи бўлдилар, чунки фақатгина Худо Ўзи ҳақида шундай деб айта оларди (Чиқиш 3:14, Ишаё 41:4 га қаранг).

8:59 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *У уларнинг орасидан ўтиб кетди, ҳеч ким буни сезмади*.

9:16 *...У Шаббат кунига риоя қилмаяпти...* — фарзийлар Тавротдаги қонунни (Чиқиш 34:21 га қаранг) ўзларича жиддий шарҳлаб, ҳатто инсон ҳаётига оид икир–чикирларни ҳам қонун даражасига кўтарганлар. Шунинг учун улар Исо қилган ишни Шаббат кунига хилоф иш деб ҳисоблаганлар.

9:35 *Инсон Ўғли* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худонинг Ўғли*.

10:22 *Маъбадни бағишлаш байрами* — бу байрамнинг яна бир номи Ханука. Ханука байрами Хислав ойида — иброний календарининг тўққизинчи ойи, 25 кунида бошланиб, 8 кун нишонланарди. Ҳозирги календарга кўра, бу ой тахминан ноябрнинг ўртасидан бошланади. Маъбад Антиох IV томонидан ҳаром қилингандан кейин (Дониёр 9:27 нинг охирги изоҳига қаранг), яҳудий ватанпарвари Яҳудо Маккавей томонидан милоддан олдинги 165 йилда ўз ҳолига келтирилиб, Худога бағишланган. Маъбаднинг тикланиши ва Худога бағишланиши Ханука байрами давомида нишонланарди.

10:23 *Сулаймон айвони* — олди очиқ, кенг жой. Бу айвон Маъбад ҳовлисининг шарқий девори бўйлаб қурилган бўлиши мумкин. Унинг қатор баланд устунлари бўлган. Шоҳ Ҳирод қурдирган бу Маъбаднинг лойиҳаси ва расми луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган.

10:34 *Муқаддас битиклар* — юнонча матнда *қонун*. Баъзан Эски Аҳд китоблари тўпламига нисбатан қонун сўзи ишлатилган.

10:34 Забур 81:6 оятга ва Забур 81:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

10:36 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

11:1 *Байтания қишлоғи* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонида жойлашган эди.

11:2 *...ўша Марям эди* — 12:1-8 га қаранг.

11:4 *Худо Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

11:16 *Тўма, яъни Дидимус* — унинг орамийча исми Тўма, юнончаси Дидимус эди. Иккала тилда ҳам бу исмларнинг маъноси — *эгизак*.

11:18 *уч чақиримча* — юнонча матнда *ўн беш стадион*, тахминан 3 километрга тўғри келади.

11:47 *Олий кенгаш* — яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОЛИЙ КЕНГАШ иборасига қаранг.

11:49 *Каяфас* — 18:13 изоҳига қаранг.

11:52 *Худонинг тарқоқ бўлган ҳамма фарзандлари* — Исо Масиҳга имон келтирадиганларнинг ҳаммасига ишора (1:11-12 га қаранг).

11:54 *Эфрайим шаҳри* — Ўфра номи билан ҳам машҳур бўлган, Қуддусдан қарийб 24 километр шимоли–шарқда жойлашган шаҳар назарда тутилган бўлса керак.

12:1 *Байтания* — 11:1 изоҳига қаранг.

12:3 *бир шиша* — юнонча матнда *литра*, тахминан ярим литрга тўғри келади.

12:3 *сунбул мойи* — яна бир номи *нард*. Бу мой қуюқ, оч жигар ранг, жуда ҳам қиммат, жуда хушбўй бўлган.

12:5 *уч юз кумуш танга* — юнонча матнда *уч юз динор*. Динор Рим кумуш тангаси бўлиб, мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

12:7 *...у Мени дафн кунимга тайёрлади* — яҳудийларнинг урф–одатига кўра, жасад дафн қилинишидан олдин унга хушбўй ҳидли зираворлар ва мойлар суртилар эди (Луқо 23:55-56, Юҳанно 19:38-40 га қаранг). Марям қилган ишининг маъносини ўзи тушунганми ёки йўқми, аниқ эмас, аммо унинг бу ҳаракати Исонинг ўлими яқинлашиб қолганини билдирарди.

12:13 *пальма дарахти шохлари* — ҳаёт ва нажот рамзи бўлиб, ғолиб лашкарбошига ёки шоҳга ҳурмат–эҳтиром кўрсатишда фойдаланилган.

12:13 *Эгамиз номидан келаётган Инсон барака топсин!* — Забур 117:26 га қаранг.

12:15 *Қуддус халқи* — юнонча матнда *қиз Сион*, Қуддус аҳлига нисбатан қўлланган шеърий усул. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

12:15 Закариё 9:9 га қаранг.

12:20 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар* (7:35 изоҳига қаранг). Бу ўринда яҳудийларнинг Худосига сажда қиладиган, аммо яҳудийларнинг маданияти ва урф–одатларини тўлиқ қабул қилмаган одамлар назарда тутилган бўлиши мумкин.

12:31 *бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори* — яъни шайтон.

12:38 Ишаё 53:1 га қаранг.

12:40 Ишаё 6:10 га қаранг.

12:47 *...риоя қилмаса...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ишонмаса*.

13:6 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн Бутрус* (шу бобнинг 9, 24, 36–оятларида ҳам бор). 1:40 изоҳига қаранг.

13:18 Забур 40:10 га қаранг.

13:19 *Масиҳ Мен эканлигим* — ёки *Мен ўша эканлигим*, яъни Худо томонидан юборилган, Муқаддас битикларда башорат қилинганидай, хиёнат қурбони бўладиган Масиҳ.

13:23 *Исонинг севикли шогирди* — яъни Юҳанно.

14:7 *...таниб–биласизлар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *таниб–билган бўлардингиз*.

14:16 *Ҳомий* — Муқаддас Руҳнинг унвони. Бу ўринда ишлатилган юнонча сўз бирортасига ёрдам бериш учун доим унинг ёнида бўладиган инсонни ёки Зотни билдиради. Бу сўзни *шафоат қилувчи*, *насиҳатгўй*, *мададкор*, *юпатувчи* деб таржима қилса ҳам бўлади. Бу юнонча сўз юқоридаги сўзларга қараганда кенгроқ маънога эга бўлгани учун, ўзбек тилига *Ҳомий* деб таржима қилинган.

14:26 *Ҳомий* — шу бобнинг 16–ояти изоҳига қаранг.

14:30 *бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори* — яъни шайтон.

15:20 *деган сўзим* — 13:12-17 га қаранг.

15:25 Забур 34:19, 68:5 га қаранг.

15:26 *Ҳомий* — 14:16 изоҳига қаранг.

16:7 *Ҳомий* — 14:16 изоҳига қаранг.

16:11 *бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори* — яъни шайтон.

16:16 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар Исонинг гапига қўшимча қилинган: *чунки Мен Отамнинг олдига кетяпман*.

17:11 *Менга берган Ўз номинг қудрати ила уларни омон сақла* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ўз номинг қудрати ила Менга берганларингни омон сақла*.

17:12 *...Менга берган номинг қудрати ила уларни омон сақладим. Уларни асрадим...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *...номинг қудрати ила уларни омон сақладим. Сен Менга берганларни асрадим....*

17:12 *Муқаддас битикларда айтилганлар* — 13:18-19 га ва Ҳаворийлар 1:15-20 га қаранг.

17:12 *ҳалокатга маҳкум бўлган одам* — Исога хиёнат қилган Яҳудо назарда тутилган.

18:1 *Қидрон сойлиги* — Қуддус шаҳридан шарқда, шаҳар билан Зайтун тоғи оралиғидан ўтган.

18:3 *Маъбад миршаблари* — 7:32 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

18:9 *Сен Менга берган одамлардан ҳеч бирининг йўқолишига йўл қўймадим* — 6:39, 17:12 га қаранг.

18:10 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн Бутрус* (шу бобнинг 15, 25–оятларида ҳам бор). 1:40 изоҳига қаранг.

18:11 *азоб косаси* — юнонча матнда *коса*, Исонинг азоблари ва хочдаги ўлимига ишора. “Косадан ичмоқ” ибораси азоб–уқубат тортиб, жазо олиш маъносини билдиради (мисол учун, Забур 74:9, Ишаё 51:17, Еремиё 25:15 га қаранг).

18:13 *Ханан...Каяфаснинг қайнатаси эди* — Ханан милодий 6-15 йилларда олий руҳоний бўлиб хизмат қилган. Рим ҳукумати уни бу лавозимдан четлатгандан кейин, унинг ўрнини куёви Каяфас эгаллаб, милодий 18-37 йилларда олий руҳоний бўлиб хизмат қилди. Ханан ўз вазифасидан четлатилганига қарамай, халқ уни ҳамон олий руҳоний деб биларди, у яҳудийлар жамиятида юксак эътибор ва нуфузга эга эди (Луқо 3:2 га қаранг).

18:14 *ўша Каяфас* — 11:49-50 га қаранг.

18:15 *олий руҳоний Ханан* — шу бобнинг 13–ояти изоҳига қаранг.

18:24 *олий руҳоний Каяфас* — шу бобнинг 13–ояти изоҳига қаранг.

18:28 *ҳоким Пилат* — Рим ҳукумати томонидан Яҳудия вилоятига тайинланган ҳоким.

18:28 *...булғанишни истамай ҳукумат саройига кирмадилар* — яҳудийларнинг таълимотига кўра, ғайрияҳудийларнинг уйига кириш уларни ҳаром қилиб қўярди.

18:28 *Фисиҳ таоми* — бир кун олдин, яъни Нисон ойининг ўн тўртинчи куни Фисиҳ зиёфатида ейиладиган таом эмас. Янги Аҳдда “Фисиҳ” номи остида Фисиҳ зиёфати ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрами назарда тутилган. Хамиртурушсиз нон байрами давомида бошқа таомлар ҳам тановул қилинарди, мазкур оятда ўша таомларга ишора қилинган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ФИСИҲ ЗИЁФАТИ ва ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ ибораларига қаранг.

18:32 *Исо...айтган сўзлари амалга ошиши учун...* — Исо, юқорига кўтариламан,

деганда, Ўзининг хочга михланишини назарда тутган эди (3:14, 8:28, 12:31-33 га қаранг). Рим қонунларига кўра, фақатгина Рим ҳукмдори жиноятчини ўлимга ҳукм қила олар эди. Одатда, жамиятдаги паст табақа ёки ҳукумат душмани ҳисобланган одамлар хочга михланиш йўли билан жазоланар эди.

19:1 *Пилат* — 18:28 нинг биринчи изоҳига қаранг.

19:6 *Маъбад миршаблари* — 7:32 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

19:7 *...қонунимизга кўра...* — Левилар 24:16 га қаранг.

19:7 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

19:12 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон. Бу ўринда Қайсар Тиберийга ишора қилинган. У милодий 14-37 йилларда ҳукмронлик қилган.

19:13 *орамийча* — 5:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

19:14 *Фисиҳ байрами* — Нисон ойининг ўн бешинчи кунида бошланадиган "Хамиртурушсиз нон байрами"га ишора. Янги Аҳдда "Фисиҳ байрами" номи остида Фисиҳ зиёфати ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрами назарда тутилган. Яҳудийларнинг урф–одатига кўра, янги кун қуёш ботгандан кейин бошланар эди. Шунинг учун бу оятда Юҳанно Хамиртурушсиз нон байрамидан олдинги кунни, яъни Нисон ойининг ўн тўртинчи куни қуёш ботмасдан олдинги пайтни назарда тутган. Замонавий кун ҳисобига кўра, бу пайт жума кунининг қуёш ботмасдан олдинги вақтига тўғри келади. Фисиҳ зиёфати Нисон ойининг ўн тўртинчи куни бошланганда, яъни пайшанба куни қуёш ботгандан кейин, кечқурун ейиларди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ФИСИҲ ЗИЁФАТИ ва ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ иборалариga қаранг.

19:14 *туш маҳали* — юнонча матнда *олтинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

19:17 *хоч* — бу ўринда хочнинг кўндаланг ёғочига ишора қилинган. Ўлимга маҳкум қилинган инсон бу ёғочни ҳукм ижро қилинадиган жойгача ўзи кўтариб бориши керак эди.

19:24 Забур 21:19 га қаранг.

19:25 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

19:26 *севикли шогирд* — яъни Юҳанно.

19:28 *Муқаддас битиклар* — Забур 21:16, 68:22 га қаранг.

19:29 *арзон шароб* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз авом халқ кунда ичадиган нордон шаробга ишора қилади. Бу шароб Рим аскарлари учун ўша ерга олиб келинган бўлиши мумкин.

19:29 *таёқ* — юнонча матнда *иссоп*. Иссоп бута бўлиб, унинг новдаси назарда тутилган.

19:31 *ниҳоятда табаррук кун* — ҳар бир Шаббат куни муқаддас ҳисобланарди. Бу йил Хамиртурушсиз нон байрамининг биринчи куни Шаббат кунига тўғри келгани учун бу кун ниҳоятда табаррук ҳисобланган.

19:31 *...болдирларини синдириб ташлаб...* — хочга михланган одамлар нафас олиш учун оёқларини тираб тик турардилар. Улар тезроқ жон бериши учун, болдирлари синдирилган.

19:35 *Бу ҳодисани кўрган киши* — бу ерда муаллиф ўзига ишора қиляпти. Шу бобнинг 26–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

19:36 Забур 33:21 га қаранг. Яна Саҳрода 9:12 га қаранг.

19:37 Закариё 12:10 га қаранг.

19:38 *Ариматея* — Қуддусдан 35 километр шимоли–ғарбда жойлашган шаҳар.

19:39 *Никодим* — 3:1-15 га қаранг.

19:39 *икки пуд* — юнонча матнда *юз литра*, тахминан 34 килога тўғри келади.

19:39 *мирра* — маълум бир дарахтлар елимидан тайёрланган хушбўй мой.

20:1 *Магдала* — Жалила кўлининг ғарбий қирғоғидаги қишлоқ.

20:2 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн Бутрус* (шу бобнинг 6–оятида ҳам бор). 1:40 изоҳига қаранг.

20:2 *Исонинг севикли шогирди* — яъни Юҳанно.

20:16 *орамийча* — 5:2 нинг биринчи изоҳига қаранг.

20:20 *қўллари* — юнонча матндан. Қадимий славянча таржимада *қўл–оёқлари*.

20:24 *Тўма, яъни Дидимус* — 11:16 изоҳига қаранг.

20:31 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

21:1 *Жалила кўли* — юнонча матнда *Тиберияс кўли*, Жалила кўлининг яна бир номи.

21:2 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн Бутрус* (шу бобнинг 3, 7, 11–оятларида ҳам бор). 1:40 изоҳига қаранг.

21:2 *Тўма, яъни Дидимус* — 11:16 изоҳига қаранг.

21:2 *Забадиёнинг ўғиллари* — яъни Ёқуб ва Юҳанно.

21:7 *Исонинг севикли шогирди* — яъни Юҳанно.

21:8 *икки юз тирсак* — тахминан 90 метрга тўғри келади.

21:15 *Шимўн Бутрус* — Исо Масиҳ Шимўнга Бутрус исмини берган эди (Марк 3:16, Луқо 6:14 га қаранг). Баъзан у ҳақда сўз юритилганда, иккала исм ҳам биргаликда ишлатилади.

21:15 *Юҳанно* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида бу исмнинг бошқа варианти *Юнус*. Шу бобнинг 16, 17–оятларида ҳам бор.

21:19 *...Бутруснинг қай йўл билан ўлиб, Худони улуғлашини билдирди* — бу гап Бутрус ўз имони учун қатл қилинишини англатади. Шу бобнинг 18–оятидаги “қўлларингни узатасан” сўзлари хочга михланишга ишора қилаётган бўлиши мумкин. Анъанага кўра, Бутрус оёғи осмондан қилиб хочга михланган.

21:20 *Исонинг севикли шогирди* — яъни Юҳанно.

21:25 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ҲАВОРИЙЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИ

Кириш

Мазкур китоб муаллифи Луқодир, бу унинг иккинчи китобидир. Унинг биринчи китоби “Луқо баён этган муқаддас Хушхабар” деб аталган. Муаллиф Луқо бу Хушхабарда Исонинг фаолияти ва таълимотини батафсил баён этади. Мазкур китобда эса у ўз ҳикоясини давом эттириб, ҳаворийларнинг фаолиятини изчил ёритади.

Китобнинг туб мағзи Исонинг шогирдларига айтган қуйидаги сўзларида акс этган: “Муқаддас Руҳ сизларни қамраб олганда, куч–қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яҳудия ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шоҳидларим бўласизлар” (1:8). Китобда Исо Масиҳни ўликдан тирилтирган Худонинг қудратига ва Муқаддас Руҳнинг фаолиятига катта урғу берилади. Китобни “Муқаддас Руҳнинг ҳаворийлар орқали кўрсатган фаолияти” деб номласа ҳам бўлади.

Бу китобда кўплаб давлатлар тилга олингани боис, дастлабки ўқишда китобнинг ягона мақсади Масиҳ ҳақидаги Хушхабарнинг ёйилишини тасвирлаб беришдир, деб ўйлашимиз мумкин. Аммо муаллиф бу китобни ёзишда бундан–да буюкроқ мақсадни кўзлаган. Исо Масиҳ самога кўтарилиб кетгандан кейин, Унинг шогирдлари бир қатор муаммоларга дуч келганлар. Энг катта муаммолардан бири “Худонинг халқига қўшилишга кимнинг ҳақи бор?” деган савол эди. Исо Масиҳ ва унинг биринчи шогирдлари яҳудий бўлганлари сабабли, Хушхабар фақатгина яҳудийларга қаратилган, деб ўйлашлари табиий эди. Аммо ҳаворий Филип Хушхабарни Самарияликларга олиб боргандан кейин ва ҳаворий Бутрус Рим юзбоши Корнилийнинг уйига ташриф буюргандан сўнг, масиҳийларнинг бу мавзудаги тушунчаси ўзгара бошлайди. Улар, Исо Масиҳ яҳудийларни ҳам, ғайрияҳудийларни ҳам гуноҳларидан халос қилишга келган, деган хулосага келишади. Худо ҳар бир миллат ва халқни Исо Масиҳга ишонишга чорлайди.

Ҳаворий Павлуснинг шарофати билан Масиҳ ҳақидаги Хушхабар дунёнинг кўп жойларига етиб боради. Павлус Масиҳга имон келтиришдан олдин, фарзий мазҳабига мансуб бўлиб, ўша даврнинг машҳур Таврот тафсирчиси, Олий кенгаш аъзоси Гамалиёлнинг шогирди эди. Таврот қонунини мукаммал билган Павлус яҳудий динини жон–жаҳди билан ҳимоя қилади, у Масиҳ жамоатини* аёвсиз таъқиб этади. Бироқ Исо Масиҳ ваҳийда Ўзини Павлусга аён қилгандан кейин, Павлус Исонинг содиқ шогирдларидан бирига айланади. Шундан сўнг Павлус Рим империясининг деярли ҳамма ҳудудларида Хушхабарни ваъз қилади. У ҳатто дунёнинг ўша замондаги энг буюк шаҳри Римга етиб бориб, шоҳлару ҳукмдорларга Масиҳ тўғрисидаги Хушхабарни айтади.

Мазкур китобга бир нечта ваъз киритилган. Бу ваъзлар ёрдамида биз ўша даврдаги масиҳийларнинг дунёқарашини теранроқ англаб оламиз, уларнинг жамиятдаги ижтимоий зиддиятларга бўлган муносабатини кўрамиз. Бу зиддиятларга яҳудий ва бутпараст халқларнинг удумлари, Рим ҳукумати ва Юнон маданияти мисол бўлиб хизмат қилади. Бироқ китобдаги воқеалардан кўриниб турибдики, Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарнинг ёйилишини ҳеч ким ва ҳеч нарса

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

тўхтата олмайди, ҳеч қандай зиддият унга тўсқинлик қила олмайди.

1–БОБ

Муқаддима

1-2 Эй Теофилус, биринчи китобимда* мен сизга Исо бошидан то осмонга
кўтарилгунга қадар қилган ҳамма ишлари ва ўргатган таълимоти тўғрисида
ёзган эдим. У осмонга кўтарилишдан олдин, Муқаддас Руҳ кучи орқали Ўзи
танлаган ҳаворийларга кўрсатмалар берган эди. 3 Исо азоб чекиб ўлгандан кейин,
бир қанча ишончли далиллар орқали ҳаворийларга тирилганини кўрсатди. Қирқ
кун давомида уларга зоҳир бўлиб, Худонинг Шоҳлиги* тўғрисида гапирди. 4 Исо
Ўз ҳаворийлари билан дастурхон атрофида ўтирар экан, уларга шундай амр
берди: “Қуддусдан кетиб қолманглар, осмондаги Отамнинг* берган ваъдаси*
бажо бўлишини кутинглар. Бу ваъда ҳақида олдин ҳам сизларга айтган эдим.
5 Яҳё одамларни сувга чўмдирар эди*, сизлар эса яқин кунларда Муқаддас Руҳга
чўмдириласизлар.”

Исо осмонга кўтарилади

6 Ҳаворийлар бирга йиғилганларида, Исодан шундай деб сўрадилар:
— Раббимиз, Исроил шоҳлигини тиклайдиган вақтингиз келмадими?
7 Исо уларга шундай жавоб берди:
— Вақт ва даврларни Отам Ўз ҳокимияти орқали ўрнатган, буларни билиш
сизнинг ишингиз эмас. 8 Аммо Муқаддас Руҳ сизларни қамраб олганда,
куч–қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яҳудия ва Самарияда, ер юзининг ҳамма
бурчакларида сизлар Менинг шоҳидларим бўласизлар.
9 Исо шу гапларни айтгандан кейин, ҳаворийларнинг кўзи олдида осмонга
кўтарилди. Булут Исони ҳаворийларнинг кўзларидан яширди. 10 Исо кўтарилиб
кетгандан кейин ҳам ҳаворийлар кўзларини узмай осмонга қараб турардилар. Шу
пайт бирдан оқ кийим кийган икки одам уларнинг олдида пайдо бўлди.
11 — Эй Жалилаликлар! — деди улар. — Нимага осмонга қараб турибсизлар?
Исо осмонга кўтарилганини ўз кўзингиз билан кўрдингизлар. У осмонга қандай
кўтарилган бўлса, худди шундай қайтиб келади.

Ўн иккинчи ҳаворий танланади

12 Шундан кейин улар Зайтун деб аталган тоғдан* Қуддусга қайтиб келдилар.
Зайтун тоғи Қуддус ёнида бўлиб, шаҳардан тахминан бир чақирим масофада*
жойлашган эди.
13 Улар шаҳарга кирганларидан кейин, ўзлари турадиган хонадоннинг
болохонасига чиқдилар. Бутрус, Юҳанно, Ёқуб, Эндрус, Филип, Тўма, Бартоломей,
Матто, Халфей ўғли Ёқуб, ватанпарвар* Шимўн, Ёқуб ўғли Яҳудо шу ерда эдилар.
14 Улар якдиллик билан тоат–ибодатга берилган эдилар. Улар қаторида баъзи бир
аёллар, шунингдек, Исонинг онаси Марям ва Унинг укалари ҳам бор эди.
15 Бир куни 120 нафар имонли биродар йиғилган эди. Бутрус улар олдида
туриб, шундай деди: 16-17 “Биродарларим! Муқаддас Руҳ олдиндан Довуд орқали
Яҳудо* ҳақида башорат қилганди. Муқаддас битиклардаги Унинг бу сўзлари
амалга ошиши керак эди. Яҳудо бизларнинг биримиз ҳисобланиб, бу хизматда
иштирок этишга танланганди. Аммо у Исони ҳибсга олиш учун келганларга
бошчилик қилди. 18 Кейин ёвуз иши билан қўлга киритган пулга дала сотиб олди.
Аммо ўша ерда йиқилиб тушди, қорни ёрилиб, ичак–човоқлари чиқиб кетди. 19 Бу
воқеа бутун Қуддус аҳолисига маълум бўлди, шунинг учун одамлар ўша жойни

Хақалдамах*, яъни Қон даласи деб атадилар. 20 Забур китобида шундай ёзилган:

«Унинг макони ташландиқ бўлиб қолсин,
У ерда яшайдиган бирон жон қолмасин.»*

Яна шундай дейилган:

«Унинг ўрнини бошқаси олсин.»*

21-22 Шунга кўра, биз Яҳудонинг ўрнига бошқа бир одамни танлашимиз керак. Токи у, биз сингари, Раббимиз Исонинг тирилгани ҳақида гувоҳлик берсин. Бу одам Раббимизнинг Яҳё томонидан сувга чўмдирилган кунидан бошлаб, то осмонга кўтарилган вақтгача бизга ҳамроҳлик қилганлардан бири бўлиши шарт.”
23 Шундай қилиб, улар икки кишини олдинга чиқардилар. Улардан бири Юсуф (унинг яна Барсабо ва Юстус деган исми ҳам бор эди), иккинчиси эса Маттиё эди.
24-25 Улар ибодат қилиб, шундай дедилар: “Эй Раббимиз! Сен ҳамма одамларнинг юрагини биласан. Мана шу икковидан қайси бирини ҳаворийлик хизмати учун танлаганингни бизга кўрсатгин, чунки Яҳудо хизматини ташлаб, ўзига тегишли ерга кетган.”
26 Ҳаворийлар улар учун қуръа* ташладилар. Қуръа Маттиёнинг чекига тушди. Маттиё ўн бир ҳаворийга қўшилди.

2–БОБ

Муқаддас Руҳнинг келиши

1 Ҳосил байрами* куни келганда, ҳамма имонлилар бир жойда йиғилдилар.
2 Бирдан осмондан шиддатли шамол эсганга ўхшаш овоз келиб, улар ўтирган уйнинг ичини тўлдирди. 3 Улар тил шаклидаги алангани кўрдилар. Ўша аланга ёйилиб, ҳар бирининг устига тушди. 4 Шунда ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлдилар, Муқаддас Руҳ берган қобилиятга кўра, улар бошқа тилларда гапира бошладилар.
5 Ўша пайтда Қуддусда дунёдаги ҳар бир юртдан келган тақводор яҳудийлар яшар эди. 6 Улар бу овозни эшитганларида, бир талай оломон йиғилиб келди. Ҳар бири ўз тилидаги гапларни эшитиб, довдираб қолди. 7 Улар ҳайрат ва ҳаяжон ичида: “Қаранглар, гапираётган бу одамлар Жалилаликлар–ку! — деб хитоб қилдилар. — 8 Қандай қилиб ҳар биримиз туғилган юртимизнинг тилларини эшитяпмиз? 9 Орамизда Парфиядан, Мидия, Элам, Месопотамия, Яҳудия, Каппадокия, Понтус ва Асиядан келганлар бор. 10 Фригия, Памфилия, Миср, Ливиянинг Киринеяга яқин ерларидан келганлар ҳам бор. Баъзиларимиз Римдан келганмиз, биз яҳудийлармиз, орамизда яҳудий динига кирган* Римликлар ҳам бор. 11 Баъзиларимиз Крит ва Арабистондан келганмиз. Шундай бўлса–да, улар Худонинг қилган қудратли ишлари тўғрисида бизга ўз тилларимизда гапириб бераётганини эшитиб турибмиз.”
12 Улар ҳайратланиб, бошлари қотиб, бир–бирларидан: “Бу нимадан дарак беради?” деб сўрардилар. 13 Бошқалар эса: “Ие, улар ичиб маст бўлиб қолибдилар–ку”, деб масхара қилишарди.

Бутруснинг нутқи

14 Шунда Бутрус ўн бир ҳаворий билан олдинга чиқди–да, оломонга қарата шундай деди: “Эй яҳудий биродарлар, Қуддус аҳолиси! Гапимга қулоқ солиб, шуни уқиб олинглар! 15 Бу одамларни сизлар маст деб ўйлаяпсизлар, аммо ундай

эмас. Ахир, эндигина эрталаб соат тўққиз* бўлди–ку! 16 Аксинча, Йўэл
пайғамбарнинг айтганлари бажо бўлмоқда:

17 «Худо айтмоқда:

Охирги кунларда*,
Ўз Руҳимни ёғдираман ҳар бир инсон устига,
Ваҳийлар келади йигитларингизга.
Башоратлар қилар сизнинг ўғил–қизларингиз.
Кароматли тушлар кўрар қарияларингиз.
18 Ўз Руҳимни ёғдираман ўша кунларда
Ҳаттоки қулу чўриларингиз устига.
Улар башорат қиларлар.
19-20 Менинг буюк ва даҳшатли куним келишидан олдин,
Мен осмонда мўъжизалар яратаман,
Ерда аломатлар кўрсатаман:
Қон, олов, қалин туман ҳосил қиламан.
Қуёш қораяди, ой қон тусига киради.

21 Раббимизга илтижо қилган ҳар бир инсон қутқарилади.»*

22 Эй Исроил халқи, бу гапларимни эшитиб олинглар: Носиралик Исо орқали
Худо сизларнинг орангизда мўъжизалар ва аломатлар кўрсатди. Шу йўл билан
Исода илоҳий ҳокимият борлигини Худо тасдиқлади. Буни ўзларингиз
биласизлар. 23 Худо Ўзининг режаси бўйича Исони сизларнинг қўлингизга
топширишни азалдан қарор қилган эди. Сизлар эса ғайрияҳудийларнинг қўллари
билан Уни хочга михлатиб ўлдирдингизлар. 24 Аммо Худо Уни тирилтириб, ўлим
азобларидан озод қилди. Ўлим ўз кучи билан Исони ушлаб туришга қодир эмасди.
25 Довуд У ҳақда шундай деган эди:

«Мен доим Эгамга кўз тикаман,
У ўнг томонимда бўлгани учун
Мени ҳеч нарса қўзғата олмас.
26 Шу боис, эй Эгам, юрагим қувончга тўла,
Тилим ҳам шод–хуррамдир.
Танам умид билан яшайди.
27 Мени ўликлар диёрида* қолдирмайсан,
Тақводорингни* қабрда чиритмайсан.
28 Менга ҳаёт сўқмоқларини Ўзинг кўрсатасан,
Ҳузурингда шодлик Мени қамраб олади.»*

29 Биродарларим! Бобомиз Довуд тўғрисида сизларга очиқ–ойдин гапиришим
керак. У ўлди, дафн қилинди, унинг қабри бугунгача шу ердадир. 30 У пайғамбар
бўлгани боис, Худо унга: «Ўз наслингдан бўлган биттасини тахтингга
ўтқазаман*», деб ичган онтини* ёдида тутарди. 31 Довуд келажакни олдиндан
кўриб, Масиҳнинг тирилиши тўғрисида гапирган эди. Худо Масиҳни ўликлар
диёрида қолдирмаслиги ва Масиҳнинг танаси чиримаслиги ҳақида Довуд
башорат қилганди*. 32 Ана шу Исони Худо тирилтирди, бунга ҳаммамиз гувоҳмиз.
33 Худо Исони юксалтириб, Уни тахтининг ўнг томонига* ўтқазди. Отаси Худонинг
ваъдаси бўйича Исо Муқаддас Руҳни қабул қилиб, Уни бизнинг устимизга
ёғдирди. Буни ўзларингиз кўриб ва эшитиб турибсизлар. 34-35 Довуд осмонга

чиқмаган бўлса–да, шундай деган эди:

«Эгамиз айтмоқда Раббимга:
Душманларингни оёқларинг остига пойандоз қилмагунимча,
Сен Менинг ўнг томонимда ўтиргин.»*

36 Бутун Исроил халқи шуни аниқ билиб қўйсин: сизлар михлаган Исони
Худонинг Ўзи жамики борлиқ устидан ҳукмдор қилди. Исо ҳам Масиҳ*, ҳам
Раббийдир.”
37 Халойиқ бу гапларни эшитди–ю, юраклари тилка–пора бўлди. Улар
Бутрусдан ва қолган ҳаворийлардан:
— Биродарлар, энди биз нима қилайлик? — деб сўрадилар.
38 Бутрус уларга деди:
— Тавба қилинглар, ҳар бирингиз Исо Масиҳнинг номи билан сувга
чўминглар, токи гуноҳларингиз кечирилсин. Шунда сизлар Муқаддас Руҳни
инъом қилиб оласизлар. 39 Худо сизларга ва болаларингизга, узоқдагиларга,
Эгамиз Худо Ўзига даъват этганларнинг ҳар бирига ваъдасини берган.
40 Бутрус бошқа кўп далиллар билан уларга гувоҳлик бериб: “Ўзларингизни бу
бузуқ насл устига келаётган жазодан сақланглар”, дея ўтинди. 41 Шундай қилиб,
Бутруснинг айтган хабарига ишонганлар сувга чўмдирилди. Ўша куни имонлилар
сони уч мингтага кўпайди. 42 Улар ҳаворийларнинг таълимотини ўрганишга,
биродарликка, Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдиришга* ва ибодатга ўзларини
бағишладилар.

Имонлиларнинг ҳаёти

43 Ҳаворийлар орқали Худо кўплаб мўъжизалар ва аломатлар кўрсатарди,
бундан эса ҳамма ҳайратга тушган эди. 44 Барча имонлилар тез–тез йиғилишиб
турар эдилар. Улар ҳамма нарсада ҳамжиҳат эдилар. 45 Мол–мулкларини сотиб,
пулини ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб тақсимлаб берардилар. 46 Имонлилар ҳар
куни Маъбадда йиғилардилар. Бир–бирлариникига меҳмонга борганда эса
Раббимиз Исони хотирлаш учун нон синдирардилар, соддадиллик билан,
юракдан севиниб овқатланишарди. 47 Худога ҳамду санолар айтардилар, халқнинг
ҳурмату эътиборидан баҳраманд эдилар. Ҳар куни Эгамиз нажот топаётганларни
имонлиларнинг қаторига қўшарди.

3–БОБ

Шол тиланчи шифо топади

1 Бир куни Бутрус билан Юҳанно кундузи соат учларда* — ибодат вақтида
Маъбадга кетаётган эдилар. 2 Ўша пайтда Маъбад олдига бир шол одамни олиб
келишди. Уни ҳар куни Маъбаднинг Гўзал деган дарвозасига келтириб
қўйишарди, у эса тиланчилик қилиб, Маъбадга келган одамлардан садақа
йиғарди. 3 Ўша одам Бутрус билан Юҳаннонинг келаётганини кўриб, садақа бериб
кетинглар, деб ялинди. 4 Иккови унга тикилди. Шу пайт Бутрус:
— Бизга қара! — деди. 5 У одам бирон нарса олиш илинжида икковига диққат
билан қаради. 6 Бутрус эса унга деди:
— Менинг пулим йўқ, аммо ўзимда бор нарсани сенга бераман. Носиралик Исо
Масиҳ номи билан сенга буюраман: ўрнингдан туриб юр!
7 Шундан кейин Бутрус шол одамни ўнг қўлидан ушлаб, ўрнидан туришига
кўмаклашди. Шу заҳоти шол одамнинг оёқлари билан тўпиқлари мустаҳкам

бўлди. 8 У сакраб турди–ю, юра бошлади. Кейин у юриб, сакраб, Худога ҳамду сано
айтиб, Бутрус ва Юҳанно билан бирга Маъбад ҳовлисига кирди. 9 Юриб Худога
ҳамду сано айтаётган бу одамни халқ кўриб, 10 таниб қолди. Одамлар: “Гўзал
дарвозаси ёнида ўтириб, садақа сўрайдиган одам–ку бу!” деб ҳайратланиб, юз
берган воқеадан ҳайрон қолдилар.

Бутруснинг Маъбадда айтган нутқи

11 Бутрус билан Юҳанно Сулаймон айвони* деган жойда турар эдилар. Шол
одам икковининг қўлидан маҳкам ушлаб олган эди. Халқ ҳайрат ичида уларнинг
олдига югуриб келди. 12 Бутрус одамларни кўргач, уларга қарата нутқ сўзлади:
“Эй Исроил халқи! Нега бунга ҳайрон бўляпсизлар? Худди биз ўз қудратимиз ёки
художўйлигимиз билан бу одамга шифо бергандай, нега бизга тикилиб
қараяпсизлар? 13 Бу одамга ота–боболаримиз Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси
шифо берди. Шу орқали Худо Ўзининг Қули* Исони улуғлади. Аммо сизлар Исони
тутиб бердингизлар. Пилат* Уни озод этишга қарор қилганда ҳам, сизлар Уни
Пилатнинг ҳузурида рад этдингизлар. 14 Ҳа, сизлар Муқаддас ва Солиҳ бўлган
Исони рад қилиб, Унинг ўрнига бир қотилнинг озод бўлишини талаб
қилдингизлар. 15 Сизлар ҳаётга бошловчини ўлдирдингизлар. Аммо Худо Уни
ўликдан тирилтирди. Биз бунга гувоҳмиз. 16 Ўзларингиз кўриб–билиб турган
мана бу одам Исонинг номига бўлган имони туфайли соппа–соғ турибди. Исо
берган бу имон уни кўз ўнгингизда бутунлай соғайтирди.

17 Эй биродарлар, сизлар Исога қилган бу ёмонлигингизни ҳукмдорларингиз
каби, билмасдан қилганингизни биламан. 18 Аммо Худо пайғамбарларнинг оғзи
билан айтган башоратини бу қилмишингиз орқали бажо қилди. Ахир,
пайғамбарлар, Масиҳ азоб чекади, деб олдиндан айтган эдилар. 19 Энди тавба
қилинглар, Худога юз буринглар, токи гуноҳларингиз кечирилсин. 20 Шунда
Эгамиз сизларга фароғат вақтини ато қилади. У сизлар учун танланган Масиҳни
— Исони юборади. 21 Худо Ўзининг муқаддас пайғамбарлари орқали азалдан
эълон қилгандай, ҳамма нарсалар янгиланадиган давр келади. Аммо ўша давр
келгунча Исо самода қолиши керак.

22 Мусо шундай деган эди: «Эгангиз Худо сизлар учун халқингиз орасидан
менга ўхшаган бир пайғамбар чиқаради. Унинг айтган ҳар бир сўзига қулоқ
солинглар. 23 Ўша пайғамбарга итоат этмайдиган ҳар ким Худонинг халқи
орасидан ажратиб олиниб, йўқ қилинади.»* 24 Ҳақиқатан ҳам, Шомуил ва ундан
кейин келиб хабар берган ҳамма пайғамбарлар биз яшаётган бу кунлар ҳақида
башорат қилган эдилар. 25 Худонинг Ўз пайғамбарлари орқали берган ваъдалари
сизлар учундир. Сизлар Худонинг Иброҳим орқали ота–боболарингиз билан
тузган аҳдини ўзларингизга мерос қилиб оляпсизлар. Ахир, Иброҳимга Худо:
«Сенинг зурриётинг* орқали ер юзидаги жамики халқлар барака топади»*, деб
айтган эди. 26 Худо Ўз Қули* Исони зоҳир қилгандан кейин, Уни биринчи бўлиб
сизларнинг орангизга юборди. Чунки У ҳар бирингизни ёмон йўлдан қайтариб,
сизларга барака бермоқчи.”

4–БОБ

Бутрус билан Юҳанно Олий кенгаш олдида

1 Бутрус билан Юҳанно халққа гапириб турганларида, бир неча руҳонийлар*,
Маъбад миршаббошиси* ва саддуқий* мазҳабининг баъзи аъзолари келдилар.
2 Уларнинг қаттиқ жаҳли чиққан эди, чунки бу иккала ҳаворий халққа таълим
бериб, Исо ўликдан тирилди, деб ваъз қилаётган эдилар. 3 Улар иккала ҳаворийни

ушлаб, вақт кеч бўлгани учун эртаси кун эрталабгача қамоқда сақладилар. 4 Аммо
бу хабарни эшитганларнинг кўпчилиги имонга келди. Шундай қилиб,
имонлиларнинг орасидаги эркакларнинг сони беш мингга етди.
5 Кейинги кун бош руҳонийлар*, йўлбошчилар, Таврот тафсирчилари*
Қуддусда йиғилдилар. 6 Олий руҳоний Ханан*, Каяфас, Юҳанно, Искандар ва олий
руҳоний оиласига мансуб бўлган бошқа эркаклар йиғинда иштирок этдилар.
7 Улар иккала ҳаворийни ўртага турғизиб қўйиб, сўрадилар: “Буни қандай қудрат
билан, кимнинг номидан қилдингизлар?”
8 Шунда Муқаддас Руҳга тўлган Бутрус уларга шундай деди: “Эй халқ
раҳнамолари ва йўлбошчилари! 9 Агар бир хаста одамга қилинган яхшилик
туфайли биздан ҳисоб талаб қилаётган бўлсангиз ва бу одамнинг қандай қилиб
соғайганини сўраётган бўлсангиз, 10 сизлар, эй Исроил халқи, ҳаммаларингиз
шуни билиб қўйингларки, мана бу одам Носиралик Исо Масиҳ номи билан
тамомила соғайиб, олдингизда турибди. Исони сизлар хочга михлаган
эдингизлар, Худо эса Уни ўликдан тирилтирди. 11 Ахир, Исо тўғрисида Муқаддас
битикларда шундай ёзилган:

«Эй бинокорлар, сиз рад этган тош
Бинонинг тамал тоши* бўлди.»*

12 Нажот бошқа ҳеч кимдан келмайди. Унинг номи — бутун оламда нажот
берадиган ягона номдир.”
13 Кенгаш* аъзолари Бутрус билан Юҳаннонинг жасоратини кўрдилар ва
уларнинг ўқимаган, оддий одам эканликларини билиб, ҳайрон қолдилар. Бутрус
билан Юҳанно Исонинг шериклари эканини англадилар. 14 Шифо топган одам ҳам
иккала ҳаворий билан бирга турган эди. Шунинг учун халқ раҳнамолари ва
йўлбошчилари уни кўриб, икковининг гапларига қарши бирон сўз айта
олмадилар.
15 Шундай қилиб, улар ҳаворийларга: “Мажлисхонадан чиқинглар”, деб буйруқ
бердилар. Сўнгра ўзаро муҳокама қила бошладилар: 16 “Бу одамларни нима
қиламиз? Бу ажойиб мўъжизани мана шу одамлар қилганини Қуддусдаги ҳар бир
одам билади, биз буни инкор эта олмаймиз. 17 Аммо бу хабар халқ орасида янада
ёйилиб кетишининг олдини олиш учун, бундан кейин Исонинг номи билан ҳеч
кимга гапирмайсизлар, деб уларни огоҳлантириб қўямиз.”
18 Шундай қилиб, улар икковини чақирдилар ва: “Исонинг номи билан умуман
гапирмайсизлар ёки таълим бермайсизлар”, деб буйруқ бердилар. 19 Бутрус билан
Юҳанно эса уларга шундай жавоб қайтардилар: “Худодан кўра сизларга итоат
этсак, Худонинг назарида тўғри бўладими? Ўзларингиз хулоса чиқараверинглар.
20 Биз эса кўрганларимиз ва эшитганларимиз тўғрисида гапирмасдан тура
олмаймиз.”
21 Шундай қилиб, Кенгаш аъзолари уларни охирги марта огоҳлантириб, қўйиб
юбордилар. Уларни жазолаш учун ҳеч қандай сабаб топа олмагандилар, чунки
бутун халқ юз берган воқеани билиб, Худога ҳамду сано айтарди. 22 Ахир,
мўъжизали аломат туфайли шифо топган одам қирқ йилдан ошиқ вақт давомида
шол бўлган эди.
23 Бутрус билан Юҳанно озод бўлишлари биланоқ, дўстларининг олдига
қайтиб келдилар ва бош руҳонийлар билан йўлбошчиларнинг уларга айтган
гапларини сўзлаб бердилар. 24 Дўстлари бу гапларни эшитганларидан кейин,
ҳаммалари биргаликда баланд овозда Худога шундай деб ибодат қилдилар: “Эй
Эгамиз! Сен осмон билан ерни, денгизни ва улардаги ҳамма мавжудотни

яратгансан! 25 Қулинг — бобомиз Довуд орқали Муқаддас Руҳинг билан шундай дегансан:

«Нега қутуради халқлар?!
Нега беҳуда фитна қилар элатлар?!
26 Эгамизга ва Унинг Масиҳига қарши
Замин шоҳлари саф тортдилар,
Ҳукмдорлар Унга қарши бирлашдилар.»*

27 Ҳақиқатан, Ҳирод* билан Пўнтий Пилат* ғайрияҳудийлар ва Исроил халқи билан бирга бу шаҳарда Сенинг муқаддас Қулинг*, Ўзинг Масиҳ қилиб танлаган Исога қарши тўпландилар*. 28 Қудратинг ва хоҳиш–ироданг билан Ўзинг илгаридан қарор қилган ҳамма нарсани улар ижро этдилар. 29 Энди, эй Эгамиз, уларнинг таҳдидларига қара! Сенинг сўзингни жасорат билан айтишимиз учун, биз, қулларингга куч бер. 30 Қудратингни кўрсат, токи Муқаддас Қулинг* Исо номи билан хасталарга шифо берайлик, аломатлар ва мўъжизалар кўрсатайлик.”
31 Ҳаммалари ибодат қилиб бўлганларидан кейин, улар йиғилиб турган жой силкинди. Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Худонинг сўзини жасорат билан гапирадиган бўлдилар.

Имонлилар мол–мулкларини тақсимлаб берадилар

32 Имонга келганлар якдил ва ҳамжиҳат эдилар. Улардан бирортаси ўзига қарашли бирон нарсани “Бу меники”, деб айтмас, бор мол–мулкларини умумий деб билишарди. 33 Ҳаворийлар буюк қудрат билан Раббимиз Исонинг тирилганига гувоҳлик берардилар. Худо уларнинг ҳаммаларига мўл–кўл мурувват кўрсатарди. 34 Имонлиларнинг орасида бирорта муҳтож одам йўқ эди. Дала ёки уй–жой эгалари бор нарсаларини сотардилар, сотувдан тушган маблағни олиб келиб, 35 ҳаворийларнинг ихтиёрига берардилар. Пуллар одамларнинг эҳтиёжига қараб тақсимланарди. 36 Имонлилар орасида Леви қабиласидан бўлган Юсуф исмли бир одам бор эди. У асли Кипрдан эди. Ҳаворийлар унга Барнабо, яъни “далда берувчи” деган ном берган эдилар. 37 Юсуф ҳам даласини сотиб, пулини ҳаворийларга инъом қилди.

5–БОБ

Ханониё билан Сапфира

1 Ханониё деган бир одам хотини Сапфира билан келишиб, мулкидан бир қисмини сотди. 2 Ханониё пулнинг бир қисмини ўзига олиб қолди. Хотини бу ҳақда биларди. Ханониё пулнинг қолганини ҳаворийларга олиб бориб берди.
3 Бутрус ундан сўради:
— Ханониё, нимага шайтонга қалбингдан жой бериб, Муқаддас Руҳга ёлғон гапирдинг? Ернинг пулидан бир қисмини олиб қолдинг–ку! 4 Мулкингни сотмасингдан олдин, у сеники эди, сотганингдан кейин ҳам, пул сеники эди. Бундай иш қилишга қандай журъат этдинг?! Сен одамларга эмас, балки Худога ёлғон гапирдинг!
5 Ханониё бу сўзларни эшитиши биланоқ ерга йиқилиб жон берди. Бу воқеани эшитганларнинг ҳаммаси қаттиқ ваҳимага тушиб қолди. 6 Йигитлар келиб, унинг жасадини кафанладилар, кейин уни олиб чиқиб, дафн қилдилар.
7 Уч соатлардан кейин Ханониёнинг хотини келди. Юз берган ҳодисадан у бехабар эди. 8 Бутрус аёлдан сўради:

— Менга айт–чи, сен билан эринг ерларингизни фалон нархга сотдингизларми?

— Ҳа, ўшанча нархга сотдик, — деб жавоб берди аёл. [9] Шунда Бутрус аёлга деди:

— Нима учун сизлар Эгамизнинг Руҳини синашга қарор қилдингизлар? Ана, эрингни дафн қилган одамлар эшикдан кириб келишяпти. Энди улар сени ҳам олиб чиқадилар.

[10] Шу заҳоти аёл ҳам йиқилди–ю, жон берди. Йигитлар кириб келиб кўрдиларки, аёл жон берибди. Улар аёлни ҳам олиб бориб, эрининг ёнига дафн қилдилар. [11] Бу воқеани эшитган одамлар ва бутун жамоат* ваҳимага тушиб қолди.

Мўъжизалар ва ажойиботлар

[12] Ҳаворийлар халқ орасида кўплаб мўъжизалар ва ажойиботлар кўрсатардилар. Ҳамма имонлилар Сулаймон айвонида* йиғилишарди. [13] Халқ уларга ғоят ҳурмат кўрсатар, бегоналардан ҳеч ким уларга қўшилишга журъат қилолмасди. [14] Аммо Раббимиз Исога имон келтириб, жамоатга қўшилган эркагу аёллар сони тобора кўпайиб бораверди. [15] Одамлар: “Бутрус йўлдан ўтаётганда, унинг сояси буларнинг устига тушсин”, деб хасталарни кўчаларга олиб чиқишарди. Уларни чорпояларга, тўшакларга ётқизиб қўйишарди. [16] Бир талай оломон ҳам Қуддус атрофидаги қишлоқлардан келди. Улар ҳам хаста, ёвуз руҳлардан азоб чекаётганларни олиб келган эдилар. Хасталарнинг ҳаммаси шифо топди.

Ҳаворийлар қувғин қилинадилар

[17] Шунда саддуқий мазҳабидан бўлган олий руҳоний ва унинг барча шериклари ҳаворийларга қаҳрини сочдилар. [18] Улар ҳаворийларни ҳибсга олиб, давлат қамоқхонасига ташладилар. [19] Аммо тунда Эгамизнинг бир фариштаси қамоқхона эшигини очди, ҳаворийларни ташқарига олиб чиқиб, шундай деди:

[20] — Боринглар, Маъбадда туриб, бу янги ҳаёт тўғрисидаги хабарни одамларга айтинглар.

[21] Ҳаворийлар бу гапни эшитиб, азонда Маъбад ҳовлисига кирдилар ва одамларга таълим бера бошладилар.

Олий руҳоний ва унинг ёрдамчилари Маъбадга келдилар ва Олий кенгашни, яъни ҳамма Исроил йўлбошчиларини чақиртирдилар. Ҳаворийларни олиб келиш учун қамоқхонага одам юбордилар. [22] Маъбад миршаблари бориб, қамоқхонада ҳаворийларни топа олмадилар. Улар қайтиб келиб, хабар бердилар:

[23] — Борсак, қамоқхона маҳкам қулфланган, соқчилар эшик олдида туришган экан. Аммо эшикларни очиб ичкарига кирганимизда, ичкарида ҳеч кимни топа олмадик.

[24] Маъбад миршаббоши* ва бош руҳонийлар бу сўзларни эшитиб, ҳаворийларга нима бўлди экан, деб ҳайрон бўлдилар. [25] Шу пайт бир одам келиб, хабар берди:

— Сизлар қамоққа ташлаган одамлар Маъбад ҳовлисида турибдилар, одамларга таълим беряптилар.

[26] Миршаббоши билан миршаблар бориб, ҳаворийларни ҳибсга олдилар, аммо зўрлик қилмадилар. “Одамлар бизни тошбўрон қилмасин”, деб қўрқдилар.

[27] Улар ҳаворийларни олиб келиб, Олий кенгаш олдида турғизиб қўйдилар. Олий руҳоний уларга шундай деди:

[28] — Биз сизларга, бу Одамнинг номи билан таълим бермanglар, деб қатъий

тақиқламаганмидик?! Сизлар эса бутун Қуддус бўйлаб таълимотингизни ёйиб юборибсиз! Бу Одамнинг қонини бизнинг гарданимизга юклаяпсизлар!

29 Бутрус билан ҳаворийлар шундай жавоб бердилар:

— Биз инсонга эмас, Худога итоат этишимиз лозим. 30 Сизлар Исони ёғочга* михлаб ўлдирган эдингизлар, ота–боболаримизнинг Худоси эса Уни тирилтирди. 31 Худо Исони юксалтириб, Ўзининг ўнг томонига ўтқазди*. Исроил халқи тавба қилсин, уларнинг гуноҳлари кечирилсин деб, Худо Исони Сарвар ва Нажоткор қилиб тайинлади. 32 Биз буларга гувоҳмиз, Муқаддас Руҳ ҳам гувоҳдир. Худо Муқаддас Руҳни Унга итоат этадиганларга инъом қилган.

33 Олий кенгаш бу гапларни эшитиб, ғазабга минди, ҳаворийларни ўлдирмоқчи бўлди. 34 Олий кенгашда халқнинг ҳурматига сазовор бўлган бир Таврот тафсирчиси бор эди. Унинг исми Гамалиёл бўлиб, у фарзийлардан* эди. Гамалиёл ўрнидан туриб, ҳаворийларни қисқа вақтга ташқарига олиб чиқишларини буюрди. 35 Шундан кейин у Олий кенгашга деди:

— Эй, Исроил йўлбошчилари, бу одамларни бирон нарса қилмоқчи бўлсангиз, эҳтиёт бўлинглар. 36 Эсингизда бўлса, бир қанча вақт олдин Февдас деган одам буюкликка даъво қилганди. Ҳатто тўрт юзтача одам унга эргашди. Аммо Февдас ўлдирилди, унинг издошлари тарқалиб, йўқ бўлиб кетди. 37 Шундан кейин аҳолини рўйхатга олиш пайтида пайдо бўлган Жалилалик Яҳудо бир қанча одамни ортидан эргаштирди. У ҳам ҳалок бўлди, унга эргашганларнинг ҳаммаси тарқалиб кетди. 38 Шу боис сизларга айтяпман: бу одамларга қарши бирон ҳаракат қила кўрманглар. Уларни ўз ҳолига қўйинглар! Уларнинг режалари ва қилаётган ишлари инсонники бўлса, бу ишлари барҳам топади. 39 Агар Худодан бўлса, сизлар уларни мағлуб қила олмайсизлар. Яна ўзларингиз Худога қарши жанг қилаётган бўлиб қолманглар.

40 Шундай қилиб, Олий кенгаш Гамалиёлнинг маслаҳатига рози бўлди. Улар ҳаворийларни чақириб, қамчи билан савалатдилар, “Ҳеч қачон Исонинг номи билан гапирмайсизлар”, деб буйруқ бериб, қўйиб юбордилар.

41 Ҳаворийлар Олий кенгаш ҳузуридан хурсанд бўлиб чиқдилар, чунки улар “Худо бизни Исонинг номи учун ҳақоратланишимизга лойиқ ҳисоблади”, дер эдилар. 42 Улар ҳар куни Маъбад ҳовлисида ва одамларнинг уйларида таълим берардилар. Исонинг Масиҳ экани тўғрисидаги Хушхабарни ваъз қилишда давом этавердилар.

6–БОБ

Хизматга танланган етти киши

1 Шу вақт давомида шогирдларнинг сони ортиб бораверди. Аммо шу пайтда юнонзабон ва орамийзабон* яҳудий имонлилар орасида зиддият пайдо бўлди. Юнонзабон яҳудийлар: “Кундалик озиқ–овқат тақсимланганда, юнонзабон бевалар эътибордан четда қоляптилар”, деб эътироз билдирдилар. 2 Ўн икки ҳаворий жамики шогирдларни йиғиб, уларга шундай дедилар:

— Биз Худонинг каломини ваъз қилишни бир четда қолдириб, озуқа тарқатиш билан овора бўлишимиз нотўғри. 3 Биродарлар, орангиздан етти кишини танланглар. Улар обрў–эътиборга эга, Муқаддас Руҳга ва доноликка тўлиб–тошган бўлсин. Уларни бу хизматга тайин этайлик. 4 Биз эса ўзимизни ибодатга ва Худо каломининг хизматига бағишлайлик.

5 Уларнинг гапи бутун жамоага маъқул бўлди. Жамоа имонга ва Муқаддас Руҳга тўла Стефанни, шунингдек, Филип, Прохорус, Никанор, Тимон, Парменас ва

илгари яҳудий динига кирган* Антиохиялик Николасни танладилар. 6 Улар бу одамларни ҳаворийларнинг олдига турғизиб қўйдилар. Ҳаворийлар уларга қўлларини қўйиб, ибодат қилдилар.

7 Шундай қилиб, Худонинг сўзи ёйилиб бораверди. Шогирдлар сони Қуддусда кўпайди. Руҳонийларнинг кўпчилиги имонга келдилар.

Стефан ҳибсга олинади

8 Стефан Худонинг марҳаматига ва илоҳий қудратга тўлган эди*. У халқ орасида ажойиб мўъжизалар ва аломатлар кўрсатди. 9 Аммо “Озод қилинган қуллар” деган синагога аъзоларининг баъзилари — Киринеяликлар, Искандарияликлар, шунингдек, Киликия ва Асияликлар Стефан билан баҳслаша бошладилар. 10 Муқаддас Руҳ Стефанга кўп донолик берди, шунинг учун улар Стефаннинг гапларини инкор қила олмадилар. 11 Шундан кейин синагога аъзолари баъзи одамларни гижгижлаб: “Стефан Мусога ва Худога қарши куфр сўзлар айтганини эшитдик”, деб айтишга кўндирдилар. 12 Шу йўл билан улар халқни, йўлбошчиларни, Таврот тафсирчиларини қайрадилар. Улар Стефанни ушлаб, Олий кенгашга олиб келдилар. 13 Шунда улар сохта гувоҳларни ёлладилар. Сохта гувоҳлар шундай дедилар: “Бу одам мана шу муқаддас Маъбадга ва қонунга қарши гаплар айтишдан тўхтамаяпти. 14 Унинг айтишича, Носиралик Исо Маъбадни қулатар эмиш, Мусо бизларга берган урф–одатларни ўзгартирар эмиш.” 15 Олий кенгашда ўтирганлар Стефанга тикилиб қарадилар, унинг юзи худди фариштанинг юзига ўхшаш эканини кўрдилар.

7–БОБ

Стефаннинг Олий кенгаш олдидаги нутқи

1 Олий руҳоний Стефандан: “Шу гаплар ростми?” деб сўради. 2 Стефан шундай жавоб берди: “Биродарлар, оталар! Менинг гапларимга қулоқ солинглар. Бобомиз Иброҳим ҳали Хоронда яшамасдан олдин — Месопотамияда* бўлган пайтда улуғвор Худо унга зоҳир бўлиб, 3 шундай деди: «Ўз юртингдан, қариндош–уруғларинг олдидан чиқиб кет. Мен сенга бир юртни кўрсатаман, ўша ерга борасан.»* 4 Шундан кейин Иброҳим Халдейлар юртини* тарк этиб, Хоронга бориб ўрнашди. Иброҳимнинг отаси вафот этгач, Худо уни Хорондан ҳозир сизлар яшаб турган юртга кўчирди. 5 Худо Иброҳимга у ердан мулк бермади, ҳатто бир қарич ер ҳам бермади. Лекин Иброҳимга ва унинг наслига ўша юртни мулк қилиб беришни ваъда қилди. Ваҳоланки, ўша пайтда Иброҳимнинг фарзанди йўқ эди. 6 Худо унга шундай деди: «Сенинг наслинг бегона бир юртда мусофир бўлиб яшайди. Тўрт юз йил қул бўлиб, жабр–зулм тортади. 7 Аммо уларни қул қилиб оладиган халқни Мен жазолайман. Шундан кейин улар ўша юртдан чиқадилар ва бу ерда Менга сажда қиладилар.»* 8 Кейин Худо унга суннат аҳдини* берди. Шундай қилиб, Иброҳимдан Исҳоқ туғилди. Исҳоқни саккиз кунлигида Иброҳим суннат қилди. Исҳоқдан Ёқуб туғилди, у ҳам суннат қилинди. Ёқубдан ўн икки қабила асосчилари туғилди, улар ҳам суннат қилинди.

9 Ёқубнинг ўғиллари ўзларининг укалари Юсуфга ҳасад қилиб, уни Мисрга сотиб юбордилар. Аммо Худо Юсуф билан бирга бўлиб, 10 уни ҳамма кулфатлардан сақлаб қолди. Худо Юсуфни шунчалик доно қилдики, у Миср фиръавнининг илтифотига сазовор бўлди. Фиръавн Юсуфни бутун Миср ва ўзининг хонадони устидан ҳоким қилиб тайинлади. 11 Ўша даврда бутун Миср ва Канъон бўйлаб очарчилик тарқалди, кўп азоб–уқубатлар келиб чиқди. Ота–боболаримиз егулик топа олмай қолдилар. 12 Ёқуб, Мисрда дон бор экан, деб

эшитиб қолди. У ўғилларини, яъни бизнинг боболаримизни Мисрга биринчи бор сафарга жўнатди. 13 Улар Мисрга иккинчи марта борганларида, Юсуф акаларига ўзини танитди. Шундай қилиб, Юсуфнинг уруғ–аймоғи фиръавнга маълум бўлди. 14 Шундан кейин Юсуф отаси Ёқубни, ҳамма қариндош–уруғларини ёнига чақирди. Улар ҳаммаси бўлиб етмиш беш* киши эдилар. 15 Шундай қилиб, Ёқуб Мисрга кетди. Ёқуб ҳам, унинг ўғиллари, яъни ота–боболаримиз ҳам Мисрда вафот этдилар. 16 Уларнинг суякларини Шакам шаҳрига олиб келиб, Иброҳимнинг мақбарасига қўйдилар. Бу мақбарани Иброҳим шакамлик Хамўрнинг ўғилларидан бир қанча кумушга сотиб олган эди.

17 Худонинг Иброҳимга берган ваъдаси амалга ошадиган пайт яқинлашгани сари, Мисрдаги халқимиз ғоят кўпайиб борар эди. 18 Мисрни бошқа ҳукмдор бошқара бошлади. У Юсуф тўғрисида ҳеч нарса билмасди. 19 Улар ота–боболаримизга найранг ишлатдилар. Ота–боболаримиз чақалоқларидан воз кечишларига тўғри келди, чақалоқлари ўлдирилди. 20 Шу пайтда Мусо туғилган эди. У жуда чиройли бола эди. Ота–онасининг уйида Мусони уч ой парваришлаганларидан кейин 21 охири, воз кечишга мажбур бўлдилар. Фиръавннинг қизи Мусони сақлаб олиб, ўз ўғлидай тарбия қилди. 22 Мусога Мисрликларнинг илму маърифати ўргатилди, у сўзда ҳам, ишда ҳам буюк одам бўлди.

23 Мусо қирқ ёшга кирганда, унинг юрагида қардошлари бўлган Исроил халқини кўриш орзуси туғилди. 24 Мисрликлардан бири Исроил халқидан биттасига шафқатсизлик қилаётганини кўрганда, Мусо қардошини ҳимоя қилди. Мисрликни ўлдириб, қардошининг ўчини олди. 25 Мусо: «Худо мен орқали халқимни озод қилмоқчи, буни халқим тушунса керак», деб ўйлади. Аммо улар тушунмадилар. 26 Кейинги куни Мусо Исроил халқидан иккитаси жанжаллашаётганини кўриб, уларни яраштирмоқчи бўлди: «Қулоқ солинглар, эй одамлар, ахир, сизлар биродарсизлар! Нега бир–бирингизни хафа қиляпсизлар?» 27 Аммо қардошини хафа қилаётган одам Мусони туртиб деди: «Ким сени бизнинг устимиздан ҳукмдор ёки ҳакам қилиб қўйди? 28 Кеча Мисрликни ўлдирганингдай мени ҳам ўлдирмоқчимисан?»* 29 Мусо бу гапни эшитгач, Мисрдан қочиб кетди ва Мидиён юртида* мусофир бўлиб яшай бошлади. Бу юртда Мусо икки ўғил кўрди.

30 Орадан қирқ йил ўтгач, Мусо саҳродаги Синай тоғи ёнида бўлганда, бута алангаси ичида унга бир фаришта* зоҳир бўлди*. 31 Мусо буни кўриб, ҳайрон бўлди. Яхшироқ кўриш учун бутага яқин борди. Шу пайт у Эгамизнинг овозини эшитди: 32 «Мен ота–боболарингиз — Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худосиман.» Мусо қўрққанидан титраб, қарашга журъат этмади. 33 Шунда Эгамиз Мусога деди: «Оёғингдаги чориғингни еч, чунки сен турган жой муқаддас ердир. 34 Халқимнинг Мисрда чеккан азобларини кўрдим, уларнинг оҳ–воҳларини эшитдим. Мен уларни озод қилиш учун келдим. Энди кел, Мен сени Мисрга юбораман.»

35 Мана шу Мусони халқ рад қилиб, унга: «Ким сени бизга ҳукмдор ва ҳакам қилиб қўйди?» деб айтганди. Худонинг Ўзи эса Мусони ҳукмдор ва халоскор қилиб юборди. У буни бута ичида зоҳир бўлган фаришта орқали амалга оширди. 36 Мусо Исроил халқини Мисрдан олиб чиқди. Мисрда, Қизил денгизда ва саҳрода қирқ йил давомида мўъжизалар ва аломатлар кўрсатди. 37 Исроил халқига: «Худо сизлар учун ўз халқингиз орасидан менга ўхшаган бир пайғамбар чиқаради*»*, деб айтган ҳам ўша Мусо эди. 38 Саҳрода Исроил халқи билан бирга яшаган Мусодир, Синай тоғида оталаримиз билан бирга турган, фаришта билан гаплашган ҳам удир. Бизга бериладиган Худонинг ҳаётбахш каломини Мусо фариштадан қабул қилди. 39 Аммо ота–боболаримиз Мусога итоат этишни

истамадилар. Аксинча, улар Мусони менсимай, кўнгилларида Мисрга қайтишга мойил бўлдилар. 40 Улар Ҳорунга шундай дедилар: «Биз учун худолар ясаб бер,
улар бизни йўлда бошлаб борсин. Бизни Мисрдан олиб чиққан Мусога нима
бўлганини билмаймиз.»* 41 Ўша пайтда улар бузоқ тасвирини ясадилар, ўша бутга
қурбонлик қилдилар. Шундай қилиб, қўлларининг ижоди олдида кўнгилхушлик
қилдилар. 42 Шу сабабдан Худо улардан юз ўгирди, самовий жисмларга сажда
қилишсин, деб уларни тарк этди. Зотан, пайғамбарлар китобида шундай ёзилган:

«Эй Исроил халқи, сизлар жуда кўп қурбонликлар келтирасизлар! Мен
ота–боболарингизни қирқ йил саҳрода олиб юрганимда, улардан шу қадар
кўп қурбонлигу назрларни талаб қилмадим! 43 Сизлар ўзингиз ясаган
худоларга — Мўлах ва Райфон* тасвирларига топиниб юрибсизлар.
Шунинг учун Мен сизларни Бобил юртига сургун қиламан. Қани, энди
туринглар! Мўлахнинг чодирини ва Райфоннинг тасвири бўлган юлдузни
кўтариб олиб кетинглар.»*

44 Саҳрода ота–боболаримизнинг Муқаддас аҳд чодири* бор эди. Бу Чодир,
Худо Мусога буюргандай, У кўрсатган намуна бўйича ясалган эди. 45 Кейинроқ
ўша Чодир оталаримизга берилди. Оталаримиз Ёшуа билан кетганларида
Чодирни ўзлари билан олиб кетдилар. Ўшанда Худо қувиб юборган халқларнинг
ерини оталаримиз тортиб олган эдилар. Чодир шоҳ Довуд замонигача ўша юртда
оталаримиз билан қолди. 46 Худонинг марҳаматига сазовор бўлган Довуд:
«Ёқубнинг Худосига маскан* қуриб берай», деб Ундан изн сўради. 47 Аммо Худога
уйни Сулаймон қуриб берди. 48 Ваҳоланки, Худойи Таоло инсон қўллари билан
ясалган уйларда истиқомат қилмайди. Худо пайғамбар орқали айтгандай:

49 «Осмон Менинг тахтимдир,
Ер оёғим тагидаги курсидир.
Менга қандай уй қуриб бера оласиз?!
— демоқда Эгамиз. —
Қайси жой Менга маскан бўла олади?!
50 Ахир, ҳаммасини Ўз қўлларим билан яратганман.»*

51 Сизлар ўжар халқсиз! Эй юраклари, қулоқлари суннат қилинмаганлар!*
Сизлар ҳам, ота–боболарингизга ўхшаб, ҳар доим Муқаддас Руҳга қарши
турасизлар. 52 Ота–боболарингиз пайғамбарларнинг ҳаммасини қувғин
қилганлар! Солиҳ Зотнинг* келишини башорат қилганларни улар ўлдирганлар!
Энди эса сизлар Солиҳ Зотни сотиб, қатл қилдингизлар. 53 Худонинг қонунини
олган сизларсиз. Аммо ўша қонун сизларга фаришталар орқали берилганига*
қарамай, сизлар унга риоя қилмадингизлар.”
54 Олий кенгаш аъзолари Стефаннинг сўзларини эшитиб, ғазабга миндилар,
ғазабдан тишларини ғижирлатдилар. 55 Аммо Муқаддас Руҳга тўлган Стефан
осмонга тикилиб, Худонинг улуғворлигини кўрди. Исо Худонинг ўнг томонида*
турар эди.
56 “Қаранглар! — деди Стефан. — Мен осмон очилганини кўряпман. Инсон
Ўғли* Худонинг Ўнг томонида турибди!”
57 Улар эса қўллари билан қулоқларини беркитиб олдилар, сўнг бирданига
ҳаммалари овозлари борича бақириб, Стефанга ташландилар. 58 Улар Стефанни
шаҳар ташқарисига олиб чиқдилар ва тошбўрон қилдилар. Унга қарши гувоҳлик
берганлар эса чопонларини Шоул* деган йигитнинг оёқлари остига қўйдилар.

59 Улар Стефанни тошбўрон қилаётганларида, Стефан: “Эй Раббим Исо,
руҳимни ол!” деб ибодат қилди. 60 Сўнгра у тиз чўкиб, овози борича: “Эй Раббим
Исо! Бу гуноҳни уларга юкламагин!” деб бақириб, жон берди.

8–БОБ

Шоул имонлилар жамоатини қувғин қилади

1 Стефаннинг ўлимини Шоул* маъқуллаган эди. Ўша кунданоқ Қуддусдаги
имонлилар жамоати шафқатсиз қувғинлардан азоб чека бошлади. Ҳаворийлардан
бошқа ҳамма имонлилар Яҳудия ва Самария бўйлаб тарқалиб кетдилар.
2 Тақводор одамлар Стефанни дафн қилдилар, у учун қаттиқ қайғуриб, аза
тутдилар. 3 Шоул эса жамоатни йўқ қилиш пайига тушган эди. У уйма–уй юриб,
эркагу аёл имонлиларни судраб олиб чиқар, уларни қамоқхонага ташлар эди.

Филип Самарияда ваъз қилади

4 Имонлилар тарқалиб кетиб, Исо ҳақидаги хабарни ҳар жойларда ваъз қилиб
юрардилар. 5 Филип* Самариянинг бош шаҳрига* бориб, у ердаги аҳолига Масиҳ
тўғрисида ваъз қилди. 6 Филипни тинглаб турган ва қилган мўъжизаларини
кўрган оломон унинг гапларига диққат билан қулоқ солди. 7 Ёвуз руҳлар кўп
одамларнинг ичидан чинқириб чиқиб кетарди, кўплаб шол ва чўлоқ одамлар
шифо топар эдилар. 8 Шундай қилиб, ўша шаҳарда катта шодлик ҳукм сурарди.
9 Шу ерда Шимўн деган бир одам яшарди. У анчадан бери сеҳр–жодулар қилиб,
Самария аҳолисини ҳайратда қолдириб келарди. Шу тариқа у ўзини буюк одам
қилиб кўрсатарди. 10 Шаҳардаги ҳар бир одам — каттаю кичик унинг гапларига
диққат билан қулоқ солар, “Бу одам Худонинг қудратидир, у Буюк Қудрат деб ном
олган”, деб айтарди. 11 Шимўн узоқ вақт одамларни сеҳр–жодулари билан
ажаблантириб келгани учун ҳам, одамлар унга диққат билан қулоқ солишарди.
12 Аммо Филип Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масиҳ тўғрисидаги Хушхабарни ваъз
қилгандан кейин, одамлар Филипга ишондилар. Эркагу аёл сувга чўмдирилди.
13 Ҳатто Шимўн ҳам имонга келди. У сувга чўмдирилгандан кейин, юз бераётган
аломатлару буюк мўъжизаларни кўриб, ҳайратда қолди ва Филипдан
ажралмайдиган бўлди.
14 Қуддусдаги ҳаворийлар, Самария аҳолиси* Худонинг каломини қабул
қилибди, деб эшитганлари учун, Бутрус билан Юҳаннони уларнинг олдига
юбордилар. 15 Бутрус билан Юҳанно бориб, Муқаддас Руҳни қабул қилиб
олинглар, деб Самарияликлар учун ибодат қилдилар. 16 Чунки ҳали Муқаддас Руҳ
уларнинг биронтасини ҳам қамраб олмаган эди. Улар фақат Раббимиз Исо номи
билан сувга чўмдирилган эдилар, холос. 17 Шундан кейин Бутрус билан Юҳанно
уларнинг устига қўлларини қўйдилар. Шу тариқа Самарияликлар Муқаддас Руҳни
қабул қилдилар.
18 Шимўн кўрдики, одамларнинг бошларига ҳаворийлар қўлларини
қўйганларида, Муқаддас Руҳ уларга бериларди. У Бутрус билан Юҳаннога пул
таклиф қилиб, деди:
19 — Шу қудратдан менга ҳам беринглар, токи биронтасининг бошига
қўлларимни қўйганимда, ўша одам Муқаддас Руҳни қабул қилсин.
20 Аммо Бутрус шундай жавоб берди:
— Пулинг ўзинг билан бирга дўзахга равона бўлсин, чунки сен, Худонинг
инъомини пулга сотиб олсам бўлади, деб ўйлайсан. 21 Бу ишда сенинг на улушинг,
на ҳақинг бор! Сенинг юрагинг Худо назарида тўғри эмас. 22 Энди тавба қилиб, бу
фосиқ ниятингдан қайт, “Мени кечиргин”, деб Эгамизга ибодат қил, балки

юрагингдаги ниятингни У кечирар. 23 Кўриб турибман: юрагинг аччиқ зардага
тўла, ўзинг фосиқлик занжирига боғлангансан.
24 Шимўн шундай жавоб берди:
— Мен учун Эгамизга ибодат қилинглар, тағин айтганларингиздан бири
бошимга тушмасин.
25 Бутрус билан Юҳанно у ерда гувоҳлик бериб, Раббимиз Исо ҳақидаги
хабарни ваъз қилдилар. Шундан кейин Самариянинг кўп қишлоқларида
Хушхабарни эълон қилиб, Қуддусга қайтиб кетдилар.

Филип ва Ҳабашистонлик амалдор

26 Шу орада Эгамизнинг бир фариштаси Филипга деди: “Қани, бўл, жанубга
бор, Қуддусдан Ғазога олиб борадиган саҳро йўлидан кет.” 27 Филип йўлга чиқди,
кетаётиб Ҳабашистонлик бир амалдорни учратиб қолди. У Ҳабашистон
маликасининг* бош хазинабони лавозимидаги катта амалдор эди. У сажда
қилгани Қуддусга келиб, 28 энди уйига қайтаётган эди. Амалдор аравада
ўтирганича, Ишаё пайғамбар китобини ўқиб кетаётган эди. 29 Муқаддас Руҳ
Филипга: “Аравага яқинроқ бор, унинг ёнида юр”, деди. 30 Филип югуриб, аравага
етиб олди, амалдорнинг Ишаё пайғамбар китобини ўқиётганини эшитди. Филип:
— Ўқиётганингизни тушуняпсизми? — деб сўради.
31 — Биронтаси ёрдам бермаса, тушунармидим?! — деб жавоб берди амалдор.
У Филипга: “Чиқ, ёнимга ўтир”, деб таклиф қилди. 32 Амалдор ўқиётган Муқаддас
битиклар парчаси қуйидагилар эди:

“Бўғизланишга олиб борилган қўйдай,
Жун қирқувчи олдида жим турган қўзидай
У миқ этмади, оғзини очмади.
33 У хўрланди. Адолатдан маҳрум қилинди.
Унинг насли ҳақида ким ўйлайди?
Ер юзида унинг ҳаётига чек қўйилди.”*

34 Амалдор Филипдан сўради:
— Айт–чи, пайғамбар бу гапларни ким тўғрисида айтди — ўзи тўғрисидами
ёки бошқа биронтаси тўғрисидами?
35 Шундан кейин Филип тушунтира бошлади, Муқаддас битикларнинг шу
қисмидан бошлаб, Исо ҳақидаги Хушхабарни амалдорга сўзлаб берди. 36-37 Улар
йўлда кетаётганларида, сув бор жойга келиб қолдилар. Шунда амалдор деди:
— Мана бу ерда сув бор экан. Сувга чўмдирилишимга нима халақит беради?!*
38 Амалдор аравани тўхтатишга буюрди. Улар иккаласи — Филип билан
амалдор сувга тушдилар, Филип уни сувга чўмдирди.
39 Улар сувдан чиққанларидан кейин, Эгамизнинг Руҳи тўсатдан Филипни
олиб кетди*. Амалдор уни қайтиб кўрмади, аммо хурсанд бўлганича, йўлида
давом этди. 40 Филип эса Азотус шаҳрида* пайдо бўлиб қолди. У Қайсарияга*
келгунча, бутун ўлка бўйлаб ўтар экан, ҳамма шаҳарларда Хушхабарни эълон
қилиб бораверди.

9–БОБ

Шоул имонга келади

1 Шу орада Шоул* Раббимиз Исонинг шогирдларига қарши қаттиқ ўлим
хавфини солиб юрарди. У олий руҳонийнинг ҳузурига бориб, 2 Дамашқдаги

синагогаларга хат ёзиб беришини сўради. У ерда эркак бўладими ёки аёлми — Исонинг йўлидан юрувчиларни топиб олса, уларни боғлаб Қуддусга олиб келишга ижозат сўраган эди. 3 Шоул Дамашққа яқинлашиб қолганда, бирдан осмондан тушган бир нур унинг ён–атрофини ёритиб юборди. 4 Шоул ерга йиқилиб, шундай бир овозни эшитди:

— Шоул, Шоул! Нега Мени қувғин қиляпсан?

5 — Ё Ҳазратим!* Сиз кимсиз? — деб сўради Шоул.

— Сен қувғин қилаётган Исоман, — деган жавоб келди*. 6 — Энди ўрнингдан тур, шаҳарга кир. Нима қилишинг кераклиги сенга ўша ерда айтилади.

7 Шоулга ҳамроҳ бўлганларнинг тилларига бир сўз келмай, тўхтаб қолган эдилар. Улар овозни эшитардилар–у, аммо ҳеч кимни кўрмасдилар. 8 Шоул ердан турди, кўзларини очди, аммо ҳеч нарсани кўра олмади. Улар Шоулни қўлидан ушлаб, Дамашқ шаҳрига олиб бордилар. 9 Уч кунгача Шоулнинг кўзи кўрмади, шу кунлар давомида у на еди, на ичди.

10 Дамашқда Исонинг Ханониё деган шогирди бор эди. Раббимиз Исо ваҳийда унга зоҳир бўлиб: “Ханониё!” деб чақирди. “Лаббай, Раббим!” деб жавоб берди у. 11 Раббимиз Исо Ханониёга деди:

— Ўрнингдан тур, Тўғри деб аталувчи кўчага бор. Яҳудонинг уйидан Тарсуслик* Шоул деган одамни сўра. Ҳозир у ибодат қиляпти. 12 Унга ваҳий келган. Ваҳийда у Ханониё деган одамнинг келишини кўрган. Унинг кўзлари очилиши учун сен унга қўлларингни қўясан.

13 Ханониё эса шундай жавоб берди:

— Ё Раббим, мен у одам ҳақида кўпчиликдан эшитган эдим. У Қуддусдаги Сенинг азизларингга кўп ёмонлик қилган экан. 14 Бу ерда ҳам у Сенинг номингни тилига оладиганларни қамаш учун бош руҳонийлардан ваколат олибди.

15 Раббимиз Исо эса унга шундай деди:

— Боравер, у Менинг танланган қуролимдир. У ғайрияҳудийлар орасида, шоҳлар ва Исроил халқи орасида номимни машҳур қилади. 16 У Менинг номим ҳақи қанчалар азоб чекиши кераклигини унинг ўзига кўрсатаман.

17 Шундай қилиб, Ханониё бориб, ўша уйга кирди. У Шоулга қўлини қўйиб, шундай деди:

— Биродарим Шоул! Йўлингда сенга зоҳир бўлган Раббимиз Исо мени бу ерга юборди, токи сенинг кўзларинг очилсин, Муқаддас Руҳга тўлгин.

18 Шу заҳоти балиқ тангачаларига ўхшаш нарса Шоулнинг кўзларидан тушди. У яна кўра бошлади. У ўрнидан туриб, сувга чўмдирилди. 19 Овқат еб, қувватга кирди.

Шоул Дамашқда ваъз қилади

Шоул бир неча кун Дамашқдаги имонлилар билан бирга бўлди. 20 У тўғри синагогага бориб: “Исо Худонинг Ўғлидир*”, деб ваъз қила бошлади. 21 Унинг ваъзини эшитганларнинг ҳаммаси ҳайрон бўлиб, шундай дейишарди: “Қуддусда Исонинг номини тилга олганларга қирғин келтирган одам шу эмасми? Унинг бу ерга келишдан мақсади — одамларни бош руҳонийлар олдига боғлаб олиб бориш эмасмикан?” 22 Аммо Шоулнинг ваъзи тобора кучли бўлиб бораверди. У Исонинг Масиҳ эканини исбот этиб, Дамашқда яшайдиган яҳудийларни эсанкиратиб қўйди.

23 Бир қанча вақт ўтгандан кейин, яҳудийлар Шоулни ўлдириш учун режа туздилар. 24 Шоул эса уларнинг режасидан хабар топди. Уни ўлдириш учун шаҳар дарвозаларини кечаю кундуз қўриқлардилар. 25 Аммо Шоулнинг шогирдлари уни кечаси саватга солиб, шаҳар деворидаги деразадан* тушириб юбордилар.

Шоул Қуддусда

26 Шоул Қуддусга боргандан кейин, Исонинг у ердаги шогирдларига
қўшилишга ҳаракат қилди. Аммо шогирдларнинг ҳаммаси ундан қўрқишарди.
Шоул ҳам Исонинг шогирди бўлганига улар ишонмадилар. 27 Шунда Барнабо*
Шоулни ҳаворийларнинг олдига олиб борди. Шоул йўлда қандай қилиб Раббимиз
Исони кўрганини, Шоулга У қандай гапирганини, Шоул Дамашқда қўрқмасдан
Исо номи билан қандай ваъз қилганини ҳаворийларга ҳикоя қилиб берди.
28 Шундай қилиб, Шоул улар билан қолди ва бутун Қуддус бўйлаб қўрқмасдан
Раббимиз номи билан ваъз қилиб юрди. 29 Шоул юнонзабон яҳудийлар билан ҳам
суҳбатлашиб, улар билан мунозара қилди. Аммо улар Шоулни ўлдирмоқчи
бўлдилар. 30 Имонлилар бу тўғрида хабар топиб, Шоулни Қайсариягача* олиб
келдилар, кейин уни Тарсус шаҳрига жўнатдилар.

31 Бутун Яҳудия, Жалила ва Самариядаги имонлилар жамоати тинчликка
эришиб, кучайиб бораверди. Жамоат Эгамиздан қўрқиб ва Муқаддас Руҳдан
мадад олиб, кўпайиб бораверди.

Бутрус Лўд ва Яффада

32 Бутрус ҳамма ёқни айланиб, имонлиларни кўргани борарди. Бир сафар у Лўд
шаҳрида* яшайдиган Худонинг азизлари ҳузурига ташриф буюрди. 33 У ерда
Бутрус Еней деган одам билан учрашиб қолди. Еней шол бўлиб, саккиз йилдан
бери тўшакдан тура олмас эди. 34 Бутрус унга:

— Еней, Исо Масиҳ сенга шифо беряпти: ўрнингдан тур, тўшагингни йиғиб
қўй! — деди. Еней шу заҳоти ўрнидан туриб кетди. 35 Бутун Лўд шаҳри ва Шарон
текислигининг аҳли Енейни кўриб, Раббимиз Исога юз бурди.

36 Яффа шаҳрида* Исонинг бир шогирди бор эди. У аёлнинг исми Тавита бўлиб,
юнончада Дўркас* эди. У кўп хайрли ишлар қиларди, муҳтожларга ёрдам берарди.
37 Ўша пайтда у касал бўлиб, вафот этди. Унинг жасадини ювиб, болохонага
қўйдилар. 38 Лўд шаҳри Яффа шаҳрига яқин эди. Шогирдлар Бутрус у ерда
эканини эшитдилар ва унинг олдига икки кишини юбориб: “Илтимос, ҳаялламай
биз томонга келинг”, деб хабар юбордилар. 39 Бутрус ўрнидан турди–ю, улар
билан кетди. Бутрус етиб келгач, уни болохонага олиб чиқдилар. Ҳамма бевалар
Бутруснинг ёнида йиғлаб турганларича, камзуллар ва бошқа кийимларни
кўрсатиб: “Тавита* тириклигида буларни тиккан эди”, дердилар. 40 Бутрус уларни
ташқарига чиқариб юборди. Шундан кейин у тиз чўкиб, ибодат қилди–да, жасадга
ўгирилиб: “Тавита, тур ўрнингдан!” деди. Шунда Тавита кўзларини очди,
Бутрусни кўриб, қаддини ростлаб ўтирди. 41 Бутрус қўлини Тавитага узатиб,
ўрнидан туришига ёрдамлашди. Кейин Худонинг азизларини ва беваларни
чақириб, тирилган аёлни кўрсатди. 42 Бу воқеа бутун Яффага маълум бўлди ва
кўпчилик Раббимиз Исога имон келтирди. 43 Бутрус анча вақт Яффа шаҳрида
Шимўн деган бир кўнчининг* уйида турди.

10–БОБ

Бутрус ва Корнилий

1 Қайсарияда* Корнилий деган бир одам бор эди. У Рим лашкаридаги “Италия”
номли бўлинмада юзбоши эди. 2 Корнилий тақводор одам бўлиб, унинг ўзи ҳам,
оиласи ҳам Худодан қўрқарди*. У камбағал яҳудийларга кўп хайр–садақа берар,
доимо Худога ибодат қиларди. 3 Бир куни соат учларда* унга ваҳий келди.
Худонинг фариштаси кириб келаётганини у аниқ кўрди. Фаришта: “Корнилий!”
деб чақирди.

4 Корнилий қўрқув ичида унга тикилиб қараб:
— Лаббай, Ҳазрат! — деди.
Фаришта унга шундай деди:
— Сенинг ибодатларинг ва хайр–садақаларинг Худога маъқул бўлди. 5 Энди Яффага одам юбориб, Бутрус деган одамни* чақиртириб кел. 6 Бутрус бир кўнчининг* уйида меҳмон бўлиб турибди. Шимўн исмли ўша кўнчининг уйи денгиз бўйида*.
7 Корнилийга гапирган фаришта кетди. Корнилий хизматкорларидан иккитасини ва унга хизмат қиладиган тақводор, ишончли бир аскарини чақирди. 8 Рўй берган ҳодисани уларга айтиб бериб, уларни Яффага жўнатди.
9 Кейинги кун туш пайтида* улар йўлда давом этиб, шаҳарга яқинлашганларида, Бутрус ибодат қилгани томга чиққан эди*. 10 У очқаб, бирон нарса тановул қилгиси келди. Овқат тайёрланаётганда, Бутрусга ваҳий келди. 11 У осмон очилганини, катта дастурхонга ўхшаш бир нарса тўрт бурчагидан осилган ҳолда ерга тушиб келаётганини кўрди. 12 Унинг ичида турли ҳайвонлар, судралиб юрувчилар ва қушлар бор эди. 13 Шу пайт у: “Ўрнингдан тур, Бутрус, сўйиб егин” деган овозни эшитди. 14 Аммо Бутрус деди:
— Асло ундай қилмайман, Эгам! Мен ҳеч қачон ҳаром ёки нопок нарсаларни* емаганман!
15 Ўша овоз яна Бутрусга: “Худо ҳалол деб айтган нарсаларни сен ҳаром демагин”, дея гапирди. 16 Бу суҳбат уч марта такрорланди. Шунда дастурхон бирдан осмонга олинди.
17 Бутрус, бу ваҳийнинг маъноси нима экан, деб эсанкираб турганда, Корнилий юборган одамлар келиб қолдилар. Улар кўнчи Шимўннинг уйи қаердалигини билиб олиб, дарвоза олдида турган эдилар. 18 Улар баланд овоз билан:
— Бутрус деган меҳмон шу ердами? — деб сўрадилар.
19 Бутрус ҳали ҳам ваҳий ҳақида ўйлаб ўтирган эди. Шунда Муқаддас Руҳ унга деди:
— Қара, учта одам сени излаб келди. 20 Энди ўрнингдан тур, пастга туш, ҳеч иккиланмай улар билан бирга бор. Уларни Мен жўнатганман.
21 Шундай қилиб, Бутрус пастга тушиб, уларга деди:
— Сизлар излаётган одам менман. Нима сабабдан келдингизлар?
22 — Бизни Рим юзбошиси Корнилий жўнатди, — деб жавоб берди улар. — У солиҳ, Худодан қўрқадиган одам, бутун яҳудий халқи орасида катта обрўга эга. Худонинг фариштаси унга: “Бутрусни уйингга таклиф қил, унинг айтганларини эшитгин”, деб айтибди.
23 Шундан кейин Бутрус уларни ичкарига таклиф этиб, меҳмон қилди.
Кейинги куни Бутрус улар билан бирга йўлга отланди. Яффалик баъзи имонлилар Бутрус билан бирга кетдилар. 24 Эртаси куни улар Қайсарияга кириб келдилар. Корнилий уларни кутаётган эди. У қариндошлари ва яқин дўстларини таклиф қилган эди. 25 Бутрус уйга кириб, Корнилийга рўпара келди. Шунда Корнилий Бутруснинг оёқларига бош уриб, унга таъзим қилди. 26 Аммо Бутрус унга:
— Ўрнингдан тур, мен ҳам бир бандаман, — деб уни турғизиб қўйди.
27 Бутрус у билан гаплашаркан, ичкарига кирди ва у ерда бир талай одам тўпланганини кўрди. 28 Бутрус уларга шундай деди:
— Ўзларингиз биласизларки, яҳудий одам бошқа халқдан бўлган одам билан алоқа боғлаши, уникига бориши қонунимизга хилофдир. Аммо Худо энди менга ҳеч бир кимсани ҳаром ёки нопок деб ҳисобламасликни аён қилди. 29 Шунинг

учун менга одам юборганларингизда, ҳеч қандай эътироз билдирмай келдим. Энди билсам бўладими, нима учун мени чақиртирдингизлар?

30 Корнилий шундай жавоб берди:

— Тўрт кун илгари худди шу пайтда — соат учларда уйимда ибодат қилаётган эдим. Бирдан* рўпарамда оппоқ кийим кийган бир одам пайдо бўлди. 31 У менга шундай деди: “Корнилий, сенинг ибодатинг Худога етиб борди, хайр–садақаларингни У маъқул кўрди. 32 Энди Яффага одам юбориб, Бутрус деган одамни чақиртириб кел. У Шимўн исмли кўнчининг уйида меҳмон бўлиб турибди. Шимўннинг уйи денгиз бўйида*.” 33 Шунинг учун дарҳол сизга одам юбордим, сиз ҳам олижаноблик қилиб, келдингиз. Эгамиз сизга айтишни буюрган ҳамма нарсани эшитиш учун энди ҳаммамиз Худонинг ҳузурида тўпландик.

Ғайрияҳудийлар Хушхабарни эшитадилар

34 Бутрус уларга гапира бошлади:

— Ҳақиқатан ҳам, Худо тарафкашлик қилмаслигини биламан. 35 Ҳар бир элатда Худодан қўрқадиган ва тўғри ишларни қиладиган ҳар бир одам Унга маъқулдир. 36 У Исроил халқига юборган хабарни биласизлар. Тинчлик келтирадиган бу Хушхабарни Худо Исо Масиҳ орқали эълон қилди. Исо Масиҳ ҳамманинг Раббийсидир. 37 Яҳудия бўйлаб нималар юз берганини биласизлар. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси Яҳёнинг чўмдирилиш тўғрисидаги хабаридан кейин Жалила ҳудудида бошланган эди. 38 Худо Носиралик Исони Муқаддас Руҳ ва куч–қудрат билан қандай тўлдирганини биласизлар. Исо ҳамма ёққа бориб, яхши ишлар қилди, иблиснинг ҳукмронлигидан азоб чекканларни шифолади, чунки Худо У билан эди. 39 У Яҳудия ва Қуддусда қилган ишларнинг ҳаммасига биз гувоҳмиз. Шундан кейин Исони ёғочга* михлаб, ўлдирдилар. 40 Аммо Худо Уни учинчи куни тирилтириб, зоҳир қилди. 41 Исо ҳаммага эмас, фақат бизга зоҳир бўлди. Чунки Худо бизни Исо ҳақида гувоҳлик беришимиз учун танлаганди. Исо тирилгандан кейин биз У билан еб–ичдик. 42 У бизга: “Халқларга ваъз қилиб, гувоҳлик беринглар. Ўликлар ва тирикларни ҳукм қилиш учун Худо Мени тайинлаганини уларга айтинглар”, — деб буюрди. 43 Барча пайғамбарлар ҳам Исо тўғрисида гувоҳлик берган эдилар. Исога ишонган ҳар бир одамнинг гуноҳлари Унинг номи туфайли кечирилади, деб айтган эдилар.

Ғайрияҳудийлар Муқаддас Руҳни қабул қиладилар

44 Бутрус ҳамон гапирар экан, унинг сўзларини эшитаётганларни Муқаддас Руҳ қамраб олди. 45 Худо ғайрияҳудийларга ҳам Муқаддас Руҳни инъом қилиб берганини Бутрус билан бирга келган яҳудий имонлилар* кўриб ҳайратда қолдилар. 46 Чунки ғайрияҳудийлар бошқа* тилларда гаплашаётганини ва Худони улуғлаётганларини улар эшитиб турардилар. Шунда Бутрус деди:

47 — Бу одамлар, худди биз сингари, Муқаддас Руҳни қабул қилдилар. Шундай экан, уларнинг сувга чўмдирилишига ким тўсқинлик қила олади?!

48 Шундай қилиб, Бутрус уларга, Исо Масиҳ номи билан сувга чўминглар, деб буйруқ берди. Сўнг улар Бутрусдан бир неча кун қолишини илтимос қилдилар.

11–БОБ

Қуддусдаги имонлилар жамоатига Бутруснинг хабари

1 Ҳаворийлар ва Яҳудиядаги имонлилар: “Ғайрияҳудийлар ҳам Худонинг каломини қабул қилибдилар” деган хабарни эшитдилар. 2 Бутрус Қуддусга борганда, яҳудий имонлилар* унга таъна қилдилар:

3 — Сиз суннатсиз одамларникида меҳмон бўлибсиз, улар билан бирга
еб–ичибсиз!
4 Шунда Бутрус уларга юз берган воқеани батафсил тушунтира бошлади:
5 — Мен Яффа шаҳрида ибодат қилаётган эдим, бир пайт ҳушимдан кетиб,
ваҳий кўрибман. Осмондан катта дастурхонга ўхшаш бир нарса тўрт бурчагидан
осилган ҳолда олдимга тушиб келди. 6 Мен ўша нарсанинг ичига яхшилаб
қарадим ва унда турли хил чорва ва ёввойи ҳайвонларни, судралиб юрувчилар ва
қушларни кўрдим. 7 Ўшанда бир овоз менга: “Тур, Бутрус, сўйиб егин” деганини
эшитдим. 8 Мен шундай жавоб бердим: “Асло ундай қилмайман, Эгам! Мен ҳеч
қачон ҳаром ёки нопок нарсаларни* оғзимга олмаганман!” 9 Аммо ўша овоз
иккинчи марта эшитилиб: “Худо ҳалол деб айтган нарсаларни сен ҳаром деб
айтмаслигинг керак”, деб осмондан гапирди. 10 Бу суҳбат уч марта такрорланди.
Шунда дастурхонга ўхшаш ўша нарса яна осмонга олинди. 11 Худди шу пайтда
Қайсариядан юборилган учта одам мен турган уйга етиб келган эди. 12 Муқаддас
Руҳ менга: “Ҳеч иккиланмай бу одамлар билан бирга бор”, деб айтди. Бу олти
биродар мен билан бирга бориб, ўша одамнинг уйига кирди. 13 У одам уйида
фаришта пайдо бўлганини, унинг ўзи бу фариштани кўрганини бизга сўзлаб
берди. Фаришта унга шундай дебди: “Яффага одам юбориб, Бутрус деган одамни*
чақиртириб кел. 14 У сенга айтадиган хабар орқали ўзинг ва оиланг нажот
топасизлар.” 15 Мен гапимни бошлашим биланоқ, Муқаддас Руҳ олдин бизни
қамраб олгани сингари, уларни ҳам қамраб олди. 16 Шунда мен Раббимиз Исонинг:
“Яҳё сувга чўмдирган эди, сизлар эса Муқаддас Руҳга чўмдириласизлар” деган
сўзларини эсладим*. 17 Биз Раббимиз Исо Масиҳга имон келтирганимизда, Худо
бизга берган инъомни уларга ҳам берган бўлса, мен ким бўлибманки, Худога
қаршилик қилсам?!
18 Улар бу сўзларни эшитиб, жим бўлиб қолдилар. Сўнг Худога ҳамду сано
айтиб:
— Худо ҳатто ғайрияҳудийларни ҳам ҳаётга элтадиган тавбага олиб борибди,
— дедилар.

Антиохиядаги имонлилар жамоати

19 Стефан ўлдирилгандан кейин бошланган қувғинлар оқибатида имонлилар
Финикия, Кипр ва Антиохияга тарқалиб кетдилар. Улар Исо ҳақидаги хабарни
яҳудийлардан бошқа ҳеч кимга айтмасдилар. 20 Уларнинг орасида Кипр ва
Киринеядан Антиохияга* келган баъзи имонлилар бор эди. Улар Раббимиз Исо
тўғрисида у ердаги ғайрияҳудийларга* ҳам ваъз қилдилар. 21 Эгамизнинг қудрати
уларда бор эди, шунинг учун кўпчилик имонга келиб, Раббимизга юз бурди. 22 Бу
янгилик Қуддусдаги имонлилар жамоатига етиб келди. Жамоатдагилар
Барнабони Антиохияга жўнатдилар. 23 У келиб, Худонинг марҳаматини
кўрганидан хурсанд бўлди. Ҳаммага: “Чин юракдан Раббимиз Исога
садоқатингизни сақлаб қолинглар”, деб насиҳат қилди. 24 У Муқаддас Руҳга ва
имонга тўла, олижаноб одам эди. Жуда кўп одамлар Исони Раббим деб имонга
келдилар.
25 Шундан кейин Барнабо Шоулни* излаб Тарсус шаҳрига кетди. У Шоулни
топгандан кейин, уни Антиохияга олиб келди. 26 Шундай қилиб, Барнабо билан
Шоул бир йил давомида у ердаги жамоат билан бир жойга йиғилиб, бир қанча
одамларга таълим бердилар. Шогирдларга биринчи марта Антиохия шаҳрида
“масиҳийлар” деб ном берилди.
27 Ўша пайтда Қуддусдан Антиохияга пайғамбарлар келдилар. 28 Улардан бири
— Хагабус дегани ўртага чиқиб, бутун оламда қаттиқ очарчилик бўлишини

Муқаддас Руҳ орқали башорат қилди. (Унинг башорати Қайсар* Клавдий* ҳукмронлиги даврида амалга ошди.) 29 Шогирдлар, имконимиз борича Яҳудияда яшайдиган имонли биродарларимизга ёрдам жўнатамиз, деб қарор қилдилар. 30 Улар айтганларини қилиб, Барнабо ва Шоул орқали Қуддусдаги жамоат оқсоқолларига ҳадялар юбордилар.

12–БОБ

Ёқуб ўлдирилади, Бутрус қамоққа ташланади

1 Худди шу пайтда шоҳ Ҳирод* имонлилар жамоатининг баъзи аъзоларини қувғин қила бошлади. 2 У Юҳаннонинг акаси Ёқубни* қилич билан ўлдиртирди. 3 Ҳирод кўрдики, бу яҳудийларга маъқул келяпти, шундай қилиб, у Бутрусни ҳибсга олди. Бу воқеа Хамиртурушсиз нон байрами кунларида юз берди. 4 У Бутрусни қаматиб, тўрт кишидан иборат тўрт гуруҳ аскарни қоровул қилиб қўйди. Фисиҳ байрамидан* сўнг уни халқнинг олдига олиб чиқиб, ҳукм қилишни режалаштирган эди. 5 Бутрус ҳибсда экан, жамоат у учун Худога чин дилдан ибодат қилди.

Бутрус қамоқдан қутулади

6 Ҳирод Бутрусни халқ олдига олиб чиқмоқчи бўлди. Ўша кундан олдинги тунда Бутрус икки соқчи ўртасида ухлаётган эди. У иккита занжир билан кишанланган, қамоқхона эшигида соқчилар навбатчилик қилишарди. 7 Бирдан Эгамизнинг фариштаси зоҳир бўлиб, ҳужрада нур порлаб кетди. Фаришта Бутруснинг ёнбошига туртиб уйғотди ва: “Тезда ўрнингдан тур!” деди. Шунда кишанлар Бутруснинг билакларидан тушиб кетди. 8 Фаришта унга:

— Камарингни боғла, чориғингни кий, — деди. Бутрус айтилгандай қилди. Кейин фаришта унга:

— Чопонингни кийиб, ортимдан юр, — деди. 9 Бутрус фариштага эргашиб, қамоқхонадан чиқди. Аммо у фариштанинг бу ишлари ҳақиқат эканини англамасдан, “ваҳий кўряпман, шекилли”, деб ўйларди. 10 Улар биринчи ва иккинчи дарвоза соқчилари олдидан ўтгандан кейин, шаҳарга олиб борадиган темир дарвоза олдига келдилар. Дарвоза ўз–ўзидан уларга очилди. Улар ташқарига чиқиб, сўқмоқ бўйлаб кетдилар. Бирдан фаришта Бутруснинг олдида кўздан ғойиб бўлди. 11 Бутрус шу заҳоти ўзига келиб: “Энди ишончим комилки, Эгамиз Ўзининг фариштасини юбориб, мени Ҳироднинг қўлидан, яҳудий халқининг адоватидан қутқарибди”, деди.

12 Бутрус шуларни англаб, Марямнинг уйига йўл олди. Марям Юҳаннонинг онаси эди. Юҳаннонинг иккинчи исми Марк эди. Марямнинг уйида кўпчилик тўпланиб, ибодат қилишаётган экан. 13 Бутрус дарвозани тақиллатган эди, Рода исмли қиз хабар олгани чиқди. 14 Қиз Бутруснинг овозини танигач, шунчалик хурсанд бўлиб кетдики, дарвозани очиш ўрнига, ичкарига югуриб кирди–да, Бутрус дарвоза олдида турибди, деб эълон қилди. 15 Улар қизга:

— Ақлингни еб қўйибсан, — дедилар. Аммо қиз гапида туриб олгач, улар:

— У Бутруснинг фариштаси*, — деб жавоб бердилар.

16 Бутрус дарвозани тақиллатишда давом этди. Улар дарвозани очиб, Бутрусни кўрдилар–у, ҳайрон бўлиб қолдилар. 17 Бутрус қўли билан “жим” деган ишорани қилди ва Эгамиз уни қандай қилиб зиндондан озод қилганини сўзлаб берди. Сўнгра “Бу воқеани Ёқубга* ва бошқа имонлиларга айтинглар”, деб қўшиб қўйди. Шундан кейин Бутрус у ердан чиқиб, бошқа ерга борди.

18 Тонг отгач, ваҳимали шовқин–сурон кўтарилди. Аскарлар бир–биридан:

“Бутрус қаерга ғойиб бўлди?” деб сўрардилар. 19 Ҳирод Бутрусни излашга буйруқ берди, аммо уни топа олмадилар. Ҳирод соқчиларни сўроқ қилиб, уларни ўлимга маҳкум қилди.

Ҳироднинг ўлими

Шундан кейин Ҳирод Яҳудиядан Қайсарияга* бориб, ўша ерда туриб қолди. 20 Шоҳ Ҳирод Тир ва Сидон аҳолисидан қаттиқ ғазабланди. Бу шаҳарлар озиқ–овқат бўйича Ҳироднинг шоҳлигига қарам бўлгани учун, Тир ва Сидон вакиллари маслаҳатлашиб, Ҳирод билан кўришгани келдилар. Улар сарой нозири Бластусни ўз томонига оғдириб олганларидан кейин, Ҳирод билан сулҳ тузмоқчи эдилар. 21 Ҳирод уларни қабул қиладиган куни шоҳона либосларини кийиб, тахтига ўтирди–да, уларга нутқ сўзлади. 22 Одамлар унинг бу нутқини эшитиб: “Инсон эмас, балки худо гапиряпти!” деб хитоб қилдилар. 23 Ҳирод Худони шарафламагани учун ўша заҳотиёқ Эгамизнинг фариштаси уни урди. Ҳирод қуртларга емиш бўлиб оламдан ўтди.

24 Худонинг каломи эса тобора ёйилиб, Исога эргашувчилар кўпайиб борарди.
25 Барнабо билан Шоул* Қуддусда топшириқни бажариб бўлишгач*, Антиохияга қайтдилар. Улар ўзлари билан бирга Юҳаннони ҳам олиб келдилар. Юҳаннонинг иккинчи исми Марк эди.

13–БОБ

Барнабо билан Шоул сафарга жўнатилади

1 Антиохиядаги имонлилар жамоатида пайғамбарлар ва муаллимлар ҳам бор эди. Барнабо, Қорача лақабли Шимўн, Киринеялик Лукиёс, вилоят ҳукмдори* Ҳирод* билан бирга ўсган Манахим ва Шоул* шулар жумласидан эди. 2 Улар Эгамизга сажда қилиб, рўза тутар эканлар, Муқаддас Руҳ уларга шундай деди: “Барнабо билан Шоулни Менга бағишланглар, токи улар Мен тайинлаган ишни бажарсинлар.” 3 Улар рўза тутиб, ибодат қилдилар, сўнг қўлларини Барнабо билан Шоулга қўйиб, икковини сафарга жўнатдилар.

Кипрда

4 Муқаддас Руҳ буйруғига кўра, Барнабо билан Шоул йўлга тушдилар*. Улар Селевкия шаҳрига* бориб, у ердан кемада Кипрга сузиб кетдилар. 5 Саламис шаҳрига келганларидан кейин, яҳудийларнинг синагогаларида Худонинг каломини ваъз қилдилар. Юҳанно* ҳам улар билан бирга бўлиб, хизматда ёрдам берар эди.

6 Улар бутун оролни у бошидан бу бошигача кезиб чиқиб, Пафос шаҳрига келдилар. У ерда Барёшуа деган сеҳргарга дуч келдилар. У одам яҳудийларнинг сохта пайғамбари эди. 7 Барёшуа оролнинг ҳокими Сергиюс Павлуснинг* яқинларидан бири эди. Сергиюс Павлус ақлли одам эди. У Барнабо билан Шоулни ҳузурига чақириб, Худонинг каломини эшитмоқчи бўлди. 8 Аммо сеҳргар Элимос Барнабо билан Шоулга қарши чиқди. (Элимос Барёшуанинг яна бир исми бўлиб, юнончада “сеҳргар” демакдир.) Элимос ҳокимни имондан тойдиришга ҳаракат қилди. 9 Шоул, яъни Павлус*, Муқаддас Руҳга тўлиб, сеҳргарга тик боқиб 10 деди:

— Эй иблис ўғли! Сен ҳар қандай ҳақиқатнинг душманисан, юрагинг айёрлик ва ярамасликларга тўла. Эгамизнинг тўғри йўлини бузиб кўрсатишни қачон бас қиласан?! 11 Энди эшит: Эгамизнинг қўли сенга қарши кўтарилган, сен маълум бир вақтгача кўр бўлиб қоласан, қуёш нурини кўрмайсан.

Шу заҳоти Элимоснинг кўзи олди хиралашиб, қоронғи бўлди. Элимос у ёқ–бу

ёқни пайпаслаб, қўлидан етаклаб юрадиган биронтасини излади. 12 Ҳоким юз
берган воқеани кўриб, имонга келди, чунки у Раббимиз Исо ҳақидаги
таълимотдан ҳайратга тушган эди.

Писидиядаги Антиохия шаҳрида

13 Павлус билан унинг ҳамроҳлари Пафос шаҳридан сузиб, Памфилиядаги
Перга шаҳрига келдилар. Юҳанно* шу ерда уларни тарк этиб, Қуддусга қайтди.
14 Қолганлар эса Пергадан жўнаб, Писидиядаги Антиохия шаҳрига келдилар.
Шаббат куни улар синагогага кириб ўтиришди. 15 Таврот ва Пайғамбарлар
битикларидан* қироат тугагач, синагоганинг йўлбошчилари: “Биродарлар, агар
бизга бирор насиҳатингиз бўлса, марҳамат”, деб уларга хабар юбордилар.
16 Павлус ўрнидан туриб, қўли билан “жим” деган ишорани қилди, сўнг сўз
бошлади: “Эй Исроил халқи! Худодан қўрқадиган* бошқа халқлар, қулоқ
солинглар! 17 Мана шу Исроил халқининг Худоси бизнинг ота–боболаримизни
танлаб олди. Улар Мисрда мусофир бўлиб яшаган вақт давомида Худо улардан
буюк халқ яратди. Буюк қудрати билан уларни Мисрдан олиб чиқди. 18 Қирқ йил
давомида Худо уларнинг саҳродаги қилмишларига чидади*. 19 У Канъон юртида
етти элатни* қириб ташлаб, уларнинг юртини Исроил халқига мулк қилиб берди.
20 Буларнинг ҳаммаси тахминан 450 йил* давом этди.

Бундан кейин Худо уларга Шомуил пайғамбар замонигача ҳакамларни берди.
21 Кейин Исроил халқи шоҳ сўраган эди, Худо уларга Киш ўғли Шоулни шоҳ қилиб
берди. Шоул Бенямин қабиласидан бўлиб, қирқ йил ҳукмронлик қилди. 22 Худо
Шоулни тахтдан туширгандан кейин, Довудни Исроил халқининг шоҳи қилди.
Худо у ҳақда шундай деган эди: «Эссай ўғли Довудни Ўзимнинг кўнглимга мос деб
топдим. Довуд Менинг ҳамма хоҳишларимни бажо қилади.»* 23 Худо берган
ваъдасига мувофиқ, Довуд наслидан Исони Исроил халқига нажоткор қилиб
юборди. 24 Исо хизматини бошламасдан олдин, Яҳё бутун Исроил халқига,
гуноҳларингиздан қайтинглар, сувга чўминглар, деб ваъз қилди. 25 Яҳё хизматини
якунлаётиб: «Сизлар мени ким деб биласизлар? Мен ваъда қилинган Зот эмасман.
У мендан кейин келади. Мен Унинг чориқларини ечиб қўйишга ҳам арзимайман»,
деган эди*.

26 Эй биродарларим, Иброҳим авлодлари! Эй Худодан қўрқадиган бошқа
халқлар! Нажот ҳақидаги бу хабар бизга берилган. 27 Аммо Қуддус аҳолиси ва
уларнинг ҳукмдорлари Исонинг кимлигини танимадилар. Гарчи улар ҳар Шаббат
куни ўқилаётган пайғамбарларнинг сўзларини эшитсалар–да, пайғамбарлар Исо
ҳақида ёзганини улар тушунмадилар. Исони ўлимга маҳкум қилиб,
пайғамбарларнинг башоратларини амалга оширдилар. 28 Ўлимга маҳкум қилиш
учун улар сабаб топа олмаган бўлсалар ҳам, Пилатдан* Уни ўлдиришни талаб
қилдилар. 29 У тўғрида ёзилган ҳар бир нарсани амалга оширганларидан кейин,
жасадини ёғочдан* тушириб, қабрга қўйдилар. 30 Аммо Худо Уни ўликдан
тирилтирди. 31 Бир неча кун У Жалиладан Қуддусга Ўзи билан келганларга зоҳир
бўлиб турди. Ҳозир улар Исроил халқига гувоҳлик беряптилар.

32-33 Барнабо билан мен эса бу Хушхабарни сизларга эълон қилмоқдамиз: Худо
Исони тирилтирди! Шу орқали ота–боболаримизга берган ваъдасини уларнинг
фарзандлари бўлмиш бизлар учун бажарди. Бу ҳақда Забурнинг иккинчи
саносида шундай ёзилган:

> «Сен Менинг Ўғлимсан,
> Бугун Мен Сенга Ота бўлдим.»*

34 Ахир, Худо, Уни ўликдан тирилтираман, Уни қабрда чиритмайман, деб ваъда
берган эди. У шундай деган эди:

«Довудга ваъда қилган табаррук баракаларни сизларга бераман.»*

35 Бошқа бир санода бу янада тўлиқроқ тушунтирилган:

«Тақводорингни* қабрда чиритмайсан.»*

36 Дарвоқе, Довуд ўз вақтида Худонинг мақсади учун хизмат қилган эди. Довуд
вафот этгач, ота–боболари ёнига дафн қилинди. Унинг танаси қабрда чиради.
37 Аммо Худо тирилтирган Исонинг танаси чиримади. 38 Шунинг учун, эй
биродарларим, эшитинглар! Гуноҳларимиз Исо орқали кечирилишини биз
сизларга эълон қилмоқдамиз. 39 Исога ишонган ҳар бир киши ҳамма
гуноҳларидан У орқали оқланади. Мусонинг қонуни орқали эса оқланиб
бўлмайди. 40 Эҳтиёт бўлинглар, токи пайғамбарлар айтган қуйидаги сўзлар
бошингизга тушмасин:

41 «Қаранглар, эй мазахчилар!
Ҳайратда қолиб ўлинглар!
Сизнинг даврингизда Мен шундай бир иш қиламанки,
Эшитсангиз қулоқларингизга ишонмайсизлар.»*”

42 Павлус билан Барнабо синагогадан чиқар эканлар, халқ уларга: “Келгуси
Шаббат куни ҳам шу нарсалар тўғрисида гапириб берсангизлар”, деб илтимос
қилдилар. 43 Синагогадаги йиғиндан кейин халқ тарқалди. Павлус билан
Барнабога кўплаб яҳудийлар ва яҳудий динига кирган* тақводорлар эргашдилар.
Павлус билан Барнабо уларга, Худонинг марҳамати остида яшашни давом
эттиринглар, деб далда бердилар.
44 Кейинги Шаббат куни ҳам деярли бутун шаҳар Раббимиз Исо ҳақидаги
хабарни эшитиш учун йиғилди. 45 Яҳудийлар шунчалик кўп одамни кўриб, қаттиқ
ҳасад қила бошладилар. Павлуснинг айтганларига қарши чиқиб, уни
ҳақоратладилар. 46 Шунда Павлус билан Барнабо иккови жасорат билан шундай
дедилар:
— Худонинг каломини биринчи навбатда сизларга билдиришимиз керак эди.
Аммо сизлар Худонинг каломини рад қилдингизлар ва ўзларингизни абадий
ҳаётга нолойиқ деб билдингизлар. Шунинг учун биз ғайрияҳудийларнинг олдига
кетяпмиз. 47 Эгамиз бизга шундай амр берган эди:

“Ернинг четигача нажотни олиб боринглар деб,
Мен сизларни ғайрияҳудийларга нур қиламан.”*

48 Ғайрияҳудийлар бу гапни эшитиб, хурсанд бўлдилар. Улар Раббимиз Исо
ҳақидаги хабарни иззат–ҳурмат билан қабул қилдилар. Абадий ҳаёт учун
танланганларнинг ҳаммаси имонга келди. 49 Шундай қилиб, Раббимиз Исо
ҳақидаги хабар юрт бўйлаб ёйилиб бораверди. 50 Аммо яҳудийлар шаҳарнинг
юқори мартабали, Худодан қўрқадиган* аёлларини ва эътиборли эркакларини
қайраб, Павлус билан Барнабони таъқиб қилиб, уларни юртдан қувиб чиқаришга
ундадилар. 51 Ҳаворийлар эса огоҳлантириш тариқасида оёқларининг чангини
қоқиб*, Икония шаҳрига кетдилар. 52 Антиохиядаги шогирдлар севинч ва
Муқаддас Руҳга тўлиб боравердилар.

14–БОБ

1 Худди шунга ўхшаш воқеа Икония шаҳрида* юз берди: Павлус билан Барнабо
синагогага кириб, оташин ваъз айтдилар. Натижада бир қанча яҳудийлар билан
ғайрияҳудийлар* имонга келдилар. 2 Аммо имонга келмаган яҳудийлар
ғайрияҳудийларни қайраб, уларни имонлиларга қарши қўзғатдилар. 3 Павлус
билан Барнабо бу ерда узоқ вақт қолиб, Раббимиз Исо ҳақида жасорат билан
гапиравердилар. Раббимиз ҳам уларга мўъжизалар ва аломатлар кўрсатиш
қудратини бериб, Ўзининг марҳамати ҳақидаги хабарни улар орқали тасдиқлади.
4 Шаҳар аҳолиси эса иккига бўлинди: баъзилари яҳудийлар томонга ўтди,
бошқалари эса ҳаворийларга қўшилди.

5 Шундан кейин яҳудийлар ва ғайрияҳудийлар ўз йўлбошчилари билан бирга
ҳаворийларга ҳамла қилиб, уларни тошбўрон қилмоқчи бўлдилар. 6 Ҳаворийлар
бу тўғрида билиб қолганларидан кейин Ликониянинг бошқа ҳудудларига қочиб
кетдилар. Улар Листра ва Дарба шаҳарларида ва уларнинг ён–атрофидаги
жойларда 7 ҳам Хушхабарни ваъз қилишда давом этдилар.

Листра ва Дарба шаҳарларида

8 Листра шаҳрида бир одам бўлиб, оёқларини қимирлата олмасдан ўтирарди. У
туғма майиб бўлиб, ҳеч қачон юрмаган эди. 9 Павлус гапираётганда, у қулоқ солиб
ўтирган эди. Павлус унга тикилиб қаради. У одамнинг шифо топишига ишончи
борлигини кўриб, 10 унга баланд овозда деди:

— Ўрнингдан тур!*

У одам сакраб ўрнидан турди–да, юра бошлади. 11 Оломон Павлуснинг қилган
ишини кўргач, Ликоний тилида: “Худолар бизнинг олдимизга инсон қиёфасида
келибди!” деб шовқин солдилар. 12 Улар Барнабони Зевс, Павлус нотиқ бўлгани
учун уни Хермес* деб аташди. 13 Зевснинг маъбади шаҳар ташқарисида эди. Зевс
руҳонийси шаҳар дарвозаларига буқалар ва гулчамбарлар олиб келди. Руҳоний
билан оломон қурбонлик назр қилмоқчи бўлдилар. 14 Ҳаворийлар Барнабо билан
Павлус буни эшитиб, қаттиқ изтироб чекиб, кийимларини йиртдилар*, оломон
орасига ёриб кирдилар. Улар шундай деб бақирдилар:

15 — Нимага бундай қиляпсизлар! Биз ҳам сизлар сингари, инсонлармиз! Биз
сизларга Хушхабар олиб келдик, токи сизлар анави беҳуда нарсалардан юз
ўгиринглар, осмон билан ерни, денгизни ва улардаги ҳамма мавжудотни яратган
барҳаёт Худога юз буринглар. 16 Ўтмишда Худо ҳамма халқларни ўз ҳолига қўйди.
17 Аммо шунга қарамай, Ўз эзгулигини кўрсатиб, осмондан ёмғир ёғдириб келди,
мавсумида ҳосил берди, ризқингизни тугал қилиб, юракларингизни шодликка
тўлдирди.

18 Шу гапларни айтиб, ҳаворийлар, биз учун қурбонлик келтирманглар, деб
оломонни зўрға тўхтатиб қолдилар*.

19 Антиохия ва Иконийдан баъзи бир яҳудийлар келиб, халқни ўзларига
оғдириб олдилар. Улар* Павлусни тошбўрон қилдилар ва “У ўлди, шекилли”, деб
уни шаҳардан ташқарига судраб чиқариб ташладилар. 20 Шогирдлар Павлуснинг
атрофига йиғилганларидан кейин эса, у ўрнидан туриб, шаҳарга қайтиб кирди.
Эртаси куни эса Барнабо билан бирга Дарба шаҳрига кетди.

Павлус ва Барнабо Суриянинг Антиохия шаҳрига қайтадилар

21 Улар Хушхабарни Дарба шаҳрида ваъз қилиб, кўп шогирдлар
орттирганларидан кейин, Листра шаҳрига, сўнгра Икония ва Антиохия
шаҳарларига қайтиб келдилар. 22 Улар шогирдларни имонда собит қолишга
ундаб: “Биз Худонинг Шоҳлигига киришимиз учун кўп машаққатларни бошдан

кечиришимиз керак”, деб далда берардилар. 23 Улар ҳар бир имонлилар
жамоатига оқсоқоллар тайин қилдилар. Сўнг ибодат қилиб ва рўза тутиб,
оқсоқолларни ўзлари ишонган Раббимиз Исонинг паноҳига топширдилар.
24 Сўнгра улар Писидиядан ўтиб, Памфилияга келдилар. 25 Перга шаҳрида Исо
ҳақидаги хабарни ваъз қилганларидан кейин, Атталияга кетдилар. 26 Сўнг кемада
Антиохияга қайтиб келдилар. Бу шаҳардаги жамоат уларни мана шу қилган
ишлари учун Худонинг марҳаматига топширган эди*. 27 Ҳаворийлар Антиохияга
келганларидан кейин, жамоатни бир жойга йиғдилар ва Худо улар орқали
нималар қилганини, ғайрияҳудийларнинг имонга келиши учун Худо қандай йўл
очиб берганини айтиб бердилар. 28 Ҳаворийлар бу ерда шогирдлар билан бирга
анча вақт қолдилар.

15–БОБ

Қуддусдаги йиғин

1 Яҳудиядан бир неча одам* Антиохияга келиб, имонлиларга шундай таълим
бера бошладилар: “Мусонинг қонунига биноан суннат қилинмасангизлар, нажот
топа олмайсизлар.” 2 Павлус билан Барнабо улар билан қизғин баҳсу мунозарага
киришдилар. Шунда: “Павлус билан Барнабо ҳамда Антиохиядан бир неча одам
Қуддусга юборилсин”, деб қарор қилинди. Улар бу масалани ҳаворийлар ва
оқсоқоллар билан муҳокама қилишлари керак эди.
3 Имонлилар жамоати уларни йўлга кузатиб қўйди. Улар Финикия ва Самария
орқали ўтар эканлар, ғайрияҳудийлар қандай қилиб Худога юз бурганини айтиб
бердилар. Бу хабар ҳамма имонлиларга катта қувонч бағишлади. 4 Павлус ва
Барнабо Қуддусга келганларидан кейин, жамоат, ҳаворийлар, оқсоқоллар уларни
самимий кутиб олдилар. Павлус ва Барнабо Худонинг улар орқали қилган
ишларини* йиғилганларга сўзлаб бердилар. 5 Аммо фарзийлар мазҳабига мансуб
имонлилар ўринларидан туриб: “Ғайрияҳудийлар суннат қилинишлари керак.
Уларга Мусонинг қонунига риоя қилишларини буюриш керак”, дедилар.
6 Ҳаворийлар ва оқсоқоллар бу масалани муҳокама қилиш учун йиғилдилар.
7 Узоқ давом этган мунозарадан кейин Бутрус ўрнидан туриб, уларга деди:
— Биродарларим! Ўзларингиз биласизларки, Хушхабарни ғайрияҳудийларга
ваъз қилишим учун Худо мени анча вақт олдин орангиздан танлаб олди.
Ғайрияҳудийлар ҳам Хушхабарни эшитиб, имонга келиши Унинг мақсади эди.
8 Худо инсон зотининг юрагини билади, У бизга берган Муқаддас Руҳни
ғайрияҳудийларга ҳам берди. Шу орқали уларни қабул қилганини тасдиқлади.
9 Худо имон орқали ғайрияҳудийларнинг юракларини поклади. Шундай қилиб,
биз билан ғайрияҳудийлар орасидаги фарқни Худо йўқ қилди. 10 Шундай экан,
нима учун шогирдларнинг елкасига оғир юк ортиб, Худони синаяпсизлар?! Ахир,
бу юкни биз ҳам, ота–боболаримиз ҳам кўтара олмаган эдик–ку! 11 Йўқ!
Ишонамизки, биз ҳам улар сингари, Раббимиз Исонинг инояти туфайли нажот
топамиз.
12 Ҳамма ҳаворийлар ва оқсоқоллар сукутда қолдилар. Барнабо билан Павлус
Худонинг улар орқали ғайрияҳудийлар орасида кўрсатган аломатлари ва
ажойиботлари тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар. 13 Улар гапини тугатгач, Ёқуб*
сўз олди:
— Биродарларим! Мени эшитинглар. 14 Ҳозир Бутрус* бизга Худонинг илк бор
ғайрияҳудийларга илтифот назарини солганини ва улар орасидан Ўзига бир халқ
танлаб олганини тушунтириб берди. 15 Бу сўзлар пайғамбарларнинг айтганлари

билан мос келади. Ёзилганидай:

16-17 “Эгамиз шундай демоқда:
«Бундан кейин Мен қайтиб келиб,
Довуднинг йиқилган шоҳлигини қайта тиклайман,
Унинг харобаларини янгидан барпо қилиб,
Уни қайта қураман.
Шунда бошқа халқларнинг ҳаммаси Менга интиладилар,
Ўзим даъват қилган ўша ғайрияҳудийлар Мени излайдилар.»
18 Эгамиз буларни бизга азалдан маълум қилган.”*

19 Ёқуб гапида давом этди:
— Шунинг учун Худога юз бураётган ғайрияҳудийларни қийин аҳволга солиб қўймаслигимиз керак. 20 Бунинг ўрнига, уларга хат ёзиб, шундай деб айтайлик: “Бутларга келтирилган қурбонликнинг гўштини тановул қилишдан*, фаҳш–зинодан* ва қони чиқарилмаган ҳайвоннинг гўштини ейишдан* ўзларингизни тийинглар*.” 21 Ахир, Мусонинг қонуни азал–азалдан ҳар бир шаҳарда ваъз қилинмоқда, ҳар Шаббат куни синагогаларда ўқилмоқда.

Ғайрияҳудий имонлиларга мактуб

22 Шундан кейин ҳаворийлар ва оқсоқоллар бутун имонлилар жамоати билан шундай қарорга келдилар: “Гуруҳимиздан бир неча одамни танлаб олиб, уларни Павлус ва Барнабо билан бирга Антиохияга юборамиз.” Улар иккита одамни — Барсабо деган Яҳудони ва Силасни танлаб олдилар. Яҳудо ва Силас жамоатнинг йўлбошчилари эдилар. 23 Уларни шундай мактуб билан жўнатдилар:

“Биз, биродарларингиз бўлган ҳаворийлар ва оқсоқоллар, Антиохия, Сурия ва Киликияда* яшайдиган ғайрияҳудий биродарларимизга салом йўллаяпмиз.
24 Эшитишимизча, бизнинг орамиздан баъзилар бориб, ўзларининг гаплари билан сизларни хавотирга солибди, юракларингизни ғаш қилибди*. Аммо уларни биз юбормаган эдик. 25 Биз вакиллар танлаб, уларни азиз дўстларимиз Барнабо ва Павлус билан бирга сизларнинг ҳузурингизга юборишга бир овоздан қарор қилдик. 26 Барнабо билан Павлус Раббимиз Исо Масиҳ ҳақи–ҳурмати, ҳаётларини хавф остига қўйганлар. 27 Шу боис биз Яҳудо билан Силасни юборяпмиз. Ушбу ёзаётганларимизни улар сизларга оғзаки ҳам тасдиқлаб берадилар. 28 Биз Муқаддас Руҳ бошчилигида сизларга қуйидаги керакли талаблардан бошқа юкни юкламасликка қарор қилдик: 29 сизлар бутларга келтирилган қурбонликнинг гўштини ва қони чиқарилмаган ҳайвоннинг гўштини тановул қилишдан ҳамда фаҳш–зинодан ўзларингизни тийинглар*. Ўзларингизни ана шулардан тийсангизлар, яхши иш қилган бўласизлар.
Омон бўлинглар.”

30 Шундай қилиб, вакиллар йўлга чиқиб, Антиохияга келдилар. Улар жамоатни йиққанларидан кейин мактубни жамоат аъзоларига топширдилар. 31 Жамоат аъзолари мактубни ўқиб, далда сўзларидан хурсанд бўлдилар. 32 Яҳудо билан Силас пайғамбар эдилар. Улар имонлиларга далда бердилар, уларга кўп гаплар айтиб, имонда мустаҳкамладилар. 33-34 Яҳудо билан Силас маълум вақт у ерда бўлганларидан кейин, имонлилар уларни юборган биродарлари ёнига хайрихоҳлик билан жўнатиб юбордилар*. 35 Павлус билан Барнабо эса бирмунча

вақт Антиохияда қолишди. Улар у ерда бошқалар билан бирга таълим бериб, Раббимиз Исо ҳақидаги хабарни ваъз қилдилар.

Павлус билан Барнабо айрилишади

36 Орадан бир неча кун ўтгач, Павлус Барнабога деди: “Қани, биз Раббимиз Исо
ҳақидаги хабарни ваъз қилган шаҳарларга борайлик, имонлиларни йўқлайлик,
уларнинг ҳол–аҳволини билайлик.”
37 Марк деган Юҳаннони Барнабо бирга олиб кетмоқчи эди. 38 Аммо Павлус
буни истамади. Марк уларни Памфилияда қолдириб*, хизматда охиригача бирга
бўлмагани учун Павлус Барнабонинг бу фикрига қаттиқ эътироз билдирди.
39 Павлус билан Барнабонинг орасида шундай англашилмовчилик бўлдики, улар
бир–бирларини тарк этдилар. Барнабо Маркни ўзи билан бирга олиб, кемада
Кипрга сузиб кетди. 40 Павлус эса Силасни танлади. Имонлилар уларни Раббимиз
Исонинг паноҳига топширганларидан кейин, улар йўлга чиқдилар*. 41 Сурия ва
Киликия ҳудудларини кезиб, жамоатларни имонда мустаҳкамладилар.

16–БОБ

Тимўтий Павлус ва Силас билан бирга кетади

1 Павлус билан Силас Дарба ва Листра шаҳарларига борди. Листрада Исонинг
Тимўтий исмли шогирди яшарди. Унинг онаси имонга келган яҳудий бўлиб, отаси
юнон эди. 2 Листра ва Иконiядаги имонлилар Тимўтий тўғрисида яхши гаплар
айтишарди. 3 Павлус Тимўтийни бирга олиб кетмоқчи бўлиб, ўша ерларда
яшайдиган яҳудийлар сабабли уни суннат қилдирди*. Чунки Тимўтийнинг отаси
юнон эканини ҳамма биларди. 4 Улар шаҳарлар оралаб ўтганларида, Қуддусдаги
ҳаворийлар ва оқсоқоллар қарор қилган қоидаларни имонлиларга етказиб,
буларга риоя қилинглар, деб айтишарди. 5 Шундай қилиб, жамоатлар имонда
мустаҳкам бўлиб, кундан–кунга сон жиҳатдан кўпайиб бораверди.

Троас шаҳрида Павлусга келган ваҳий

6 Павлус ва унинг йўлдошлари Фригия ва Галатия ўлкасидан ўтишди,
Муқаддас Руҳ Асия вилоятида Исо ҳақидаги хабарни ваъз қилишни уларга
тақиқлаганди. 7 Улар Мисиядан ўтиб, Битиния вилоятига киришга ҳаракат
қилдилар. Аммо Муқаддас Руҳ орқали Исо уларга ижозат бермади. 8 Шундай
қилиб, улар қайтиб, Мисия орқали Троасга* кетдилар. 9 Тунда Павлусга ваҳий
келди: Македониялик бир одам: “Македонияга келиб, бизга ёрдам бер!” деб
илтижо қиларди. 10 Павлусга келган бу ваҳийдан кейин, биз* тезда Македонияга
боришга ҳозирлик кўрдик. Худо бизни у ернинг халқига Хушхабарни ваъз
қилишга чақирди, деб ишонч ҳосил қилган эдик.

Филиппида Лидия имонга келади

11 Биз кемада Троас шаҳридан сузиб кетиб, тўғри Самофракия оролига йўл
олдик, эртаси куни Неаполис шаҳрига кетдик. 12 У ердан эса Филиппига бордик.
Бу Македония вилоятининг Биринчи туманидаги шаҳар* бўлиб, Римга қарашли
эди. Биз бир неча кун у ерда бўлдик. 13 Шаббат куни биз шаҳардан дарё бўйига
чиқдик. У ерда ибодат қиладиган жой бор, деб ўйлаган эдик. Ўша ерда аёллар
йиғилган экан, биз улар билан ўтириб суҳбатлашдик. 14 Бизни тинглаб
ўтирганлар орасида Лидия деган бир аёл ҳам бор эди. У Тиятира шаҳридан бўлиб,
сафсар матолар сотарди. У художўй* эди. Павлуснинг айтганларини жон дили
билан тингласин деб, Эгамиз Лидиянинг юрагини очди. 15 Лидия билан унинг
хонадон аҳли сувга чўмдирилганларидан кейин, у бизга шундай таклиф қилди:

“Агар мени Раббимиз Исога содиқ имонли деб ҳисобласангизлар, менинг уйимга келиб, ўша ерда туринглар.” Лидия бизни кўндирди.

Филиппи шаҳридаги қамоқхонада

16 Бир куни биз ибодат қиладиган жойга кетаётганимизда, олдимизга бир
чўри қиз келди. Бу қизда фолчилик руҳи бўлиб, у башорат қилиш орқали
хўжайинларига кўп пул ишлаб берар экан. 17 У Павлус билан бизга эргашиб,
шундай деб бақирарди: “Манави одамлар Худойи Таолонинг қуллари! Улар
сизларга нажот топиш йўлини эълон қиладилар.” 18 Ўша чўри бир неча кун
давомида шундай қилиб юрди. Охири, Павлус безор бўлиб, орқасига ўгирилди–да,
ёвуз руҳга деди: “Сенга Исо Масиҳ номидан буюраман: бу қизнинг ичидан чиқиб
кет!” Ўша заҳоти ёвуз руҳ қизнинг ичидан чиқиб кетди.

19 Қизнинг хўжайинлари пул ишлаш имконияти қўлдан кетганини англаб
етдилар. Улар Павлус билан Силасни ушлаб, шаҳар майдонига судраб келдилар.
20 Уларни Рим амалдорлари ҳузурига олиб келиб:

— Бу одамлар шаҳримизни алғов–далғов қиляптилар! — дедилар. — Улар
яҳудийлардир, 21 биз содиқ Рим фуқароларимиз, улар бизнинг қонунларимизга
зид бўлган одатларни тарғиб қиляптилар. Биз уларнинг одатларини қабул қила
олмаймиз ёки амалда қўллай олмаймиз.

22 Оломон Павлус билан Силасга қарши ҳужумга қўшилди.

Шунда Рим амалдорлари Павлус билан Силаснинг кийимларини ечдириб,
аскарларга: “Буларни калтакланглар”, деб буюрдилар. 23 Уларни роса
калтаклашгандан кейин, зиндонга ташладилар. Рим амалдорлари зиндонбонга:
“Уларни яхшилаб қўриқла”, деб буйруқ бердилар. 24 Зиндонбон буйруқни олиб,
икковини ички бўлмага ташлади ва уларнинг оёқларини кундага маҳкамлаб
қўйди.

25 Ярим тунда Павлус билан Силас ибодат қилиб, Худога ҳамду сано айтаётган
эдилар. Маҳбуслар эса уларни тинглаб ўтиришарди. 26 Бирдан шундай қаттиқ
зилзила юз бердики, қамоқхонанинг пойдевори ларзага келди, шу заҳоти ҳамма
эшиклар очилиб, маҳбусларнинг кишанлари ечилиб кетди. 27 Зиндонбон уйғониб,
қамоқхона эшиклари очиқ эканини кўрди. У, маҳбуслар озод бўлиб кетибди, деб
ўйлаб, қиличини қинидан суғуриб, ўзини ўлдирмоқчи бўлди. 28 Павлус овози
борича: “Зинҳор ўзингга шикаст етказа кўрма, ҳаммамиз шу ердамиз!” деб
бақирди. 29 Зиндонбон, чироқлар ёқилсин, деб буюрди ва шошилганича ичкари
кирди–да, титраб–қақшаб, ўзини Павлус билан Силаснинг оёқлари остига
ташлади. 30 Зиндонбон икковини ташқарига олиб чиқиб: “Жаноблар, нажот
топишим учун нима қилишим керак?” деб сўради.

31 — Раббимиз Исога ишон, шунда ўзинг ва хонадон аҳлинг нажот топасизлар,
— деб жавоб беришди улар.

32 Павлус билан Силас Раббимиз ҳақидаги хабарни зиндонбонга ва унинг
хонадон аҳлига ваъз қилдилар. 33 Зиндонбон тунда ўша заҳотиёқ икковини бир
четга олиб ўтиб, яраларини ювди. Сўнг ўзи ва бутун хонадон аҳли сувга
чўмдирилди. 34 Зиндонбон Павлус билан Силасни уйига олиб келиб, уларга
дастурхон ёзди. У бутун хонадони билан бирга Худога имон келтирганидан
севинди.

35 Тонг отгач, амалдорлар миршабларни юбориб: “Анави одамлар ўз йўлига
кетаверсин”, дедилар. 36 Зиндонбон бу хабарни Павлусга етказди: “Амалдорлар
сизларни кетаверсин, деб хабар юборибди, ҳозироқ чиқинглар, эсон–омон
боринглар”, деди. 37 Павлус эса миршабларга шундай деди:

— Рим фуқароси бўлсак ҳам*, бизни ҳукм қилмасдан халқнинг кўз ўнгида

калтакладилар, зиндонга ташладилар. Нима учун энди яширинча бизни жўнатиб юбормоқчилар?! Бунақаси кетмайди! Ўзлари келиб, бизни зиндондан чиқарсинлар.
38 Миршаблар бу сўзларни амалдорларга етказдилар. Улар Павлус билан Силаснинг Рим фуқароси эканини эшитиб, қўрқиб кетдилар. 39 Шундай қилиб, амалдорлар бориб, улардан кечирим сўраб, уларни зиндондан олиб чиқдилар. Сўнгра: “Шаҳардан кетсангизлар”, деб илтимос қилдилар. 40 Павлус билан Силас зиндондан чиққанларидан кейин, Лидиянинг уйига бордилар. Улар у ерда имонлилар билан учрашиб, уларга далда бердилар. Шундан кейин улар Филиппидан жўнаб кетдилар.

17–БОБ

Салоника шаҳрида

1 Павлус билан Силас Амфиполис ва Аполлония шаҳарларини босиб ўтиб, Салоника шаҳрига келдилар. Бу шаҳарда яҳудийлар синагогаси бор эди. 2 Павлус, ўз одатига кўра, синагогага кирди ва уч ҳафта давомида Шаббат кунлари яҳудийлар билан мунозара олиб борди. У Муқаддас битиклар* асосида
3 Масиҳнинг азоб чекиши ва ўликдан тирилиши кераклигини тушунтириб, исботлаб берди. Сўнг: “Мен сизларга айтаётган Исо ўша Масиҳдир”, деди.
4 Яҳудийлардан баъзилари, шунингдек, Худодан қўрқадиган* кўп ғайрияҳудийлар* ва юқори мартабали аёлларнинг кўпчилиги Павлус билан Силасга ишониб, уларга қўшилдилар. 5 Аммо ишонмаган яҳудийлар ҳасадга тўлдилар ва кўчалардаги бекорчи дайдиларни тўплаб, оломонни йиғиб, шаҳарда ғалаён бошладилар. Улар: “Павлус билан Силасни қидириб топамиз, халқнинг олдига олиб чиқамиз”, деб Ясон деган одамнинг уйига ҳужум қилдилар. 6 Аммо уларни топа олишмади. Сўнгра Ясон билан бир неча имонлиларни шаҳар амалдорлари ҳузурига судраб келдилар ва шундай дея шовқин солдилар: “Анави одамлар бутун дунёни остин–устин қилиб, бизнинг шаҳримизга ҳам келибдилар.
7 Ясон ўша одамларга уйидан жой берибди. Уларнинг ҳаммаси, Исо деган бошқа шоҳ бор, деб Қайсарнинг* фармонларига қарши чиқяптилар.” 8 Халқ ва шаҳар амалдорлари бу гапларни эшитиб, безовталаниб қолдилар. 9 Улар Ясон ва бошқа имонлилардан гаровга* пул олиб, уларни қўйиб юбордилар.

Верия шаҳрида

10 Қоронғи тушгач, имонлилар Павлус билан Силасни Верия шаҳрига жўнатдилар. Улар шаҳарга келиб, яҳудийлар синагогасига кирдилар. 11 Бу ердаги яҳудийлар Салоникадаги яҳудийларга қараганда кенг фикрли эдилар. Улар зўр иштиёқ билан Исо ҳақидаги хабарни тинглашар, Павлуснинг айтганлари ҳақиқат эканини кўриш учун Муқаддас битикларни ҳар куни тадқиқ этишарди.
12 Уларнинг кўпчилиги шу боисдан имонга келдилар, шунингдек, ғайрияҳудий эркаклару юқори мартабали аёлларнинг кўпчилиги ҳам имонга келдилар. 13 Аммо Салоникадаги яҳудийлар, Павлус Верияда Худонинг каломини ваъз қилибди деган гапни эшитганларида, улар Верияга келиб, оломонни гижгижлаб, қайрадилар. 14 Шунда имонлилар Павлусни зудлик билан денгиз бўйига жўнатиб юбордилар. Силас билан Тимўтий эса Верияда қолдилар. 15 Павлусни кузатиб кетганлар уни Афинагача олиб бориб қўйдилар*. Улар Павлусдан: “Силас билан Тимўтий тезроқ менинг олдимга етиб келсин” деган кўрсатмани олганларидан кейин Верияга қайтиб кетдилар.

Павлус Афинада

16 Павлус Силас билан Тимўтийни Афинада кутаркан, шаҳар бутларга тўлиб
кетганини кўриб, таъби жуда хира бўлди. 17 Павлус синагогада яҳудийлар ва
Худодан қўрқадиган ғайрияҳудийларга далиллар келтирди. Шунингдек, шаҳар
майдонида ҳар куни дуч келган одамларга ҳам ваъз қилди. 18 Бир неча эпикурчи
ва стоик файласуфлар* ҳам Павлус билан баҳсга киришишди. Баъзилари: “Бу
маҳмадона нима демоқчи?” деса, бошқалари: “У бегона худолар тўғрисида ваъз
қиляпти”, дер эди. Павлус Исо тўғрисидаги Хушхабарни ва ўликлардан
тирилишни ваъз қилаётгани учун улар шундай деб айтардилар*. 19 Улар Павлусни
ушлаб, Арёпагус кенгашига олиб бордилар ва шундай дедилар: “Сен ўргатаётган
янги таълимот нима эканини биз ҳам билишимиз мумкинми? 20 Бу таълимотинг
бизга бир оз ғалати туюляпти, шунинг учун бу нимани англатишини
билмоқчимиз.” 21 (Ҳамма Афиналиклар ва бу ерда яшаётган мусофирлар бутун
вақтларини охирги янгиликларни айтиб бериш ёки эшитиш билан ўтказишни
яхши кўришарди.)

22 Павлус Арёпагус кенгашининг олдига чиқиб, шундай деди: “Эй
Афиналиклар! Сизлар ҳар жиҳатдан ғоят диндор эканингизни кўриб турибман.
23 Мен бутун шаҳарни кезиб чиқиб, сизларнинг саждагоҳларингизга диққат билан
назар ташладим. Мен ўша нарсаларнинг орасидан «Номаълум худога» деган ёзув
битилган қурбонгоҳни кўрдим. Ўзларингиз билмасдан туриб сажда қилаётган
Худони мен сизларга англатай.

24 Оламни ва ундаги ҳамма нарсаларни яратган Худо ер ва осмоннинг Эгаси
бўлиб, инсон қўли билан ясалган саждагоҳларда яшамайди. 25 Ҳар қандай одамга
жон, нафас ва ҳамма нарсани Унинг Ўзи берган. Шунинг учун У инсоннинг қўлига
қараб қолмаган. У ҳеч нарсага муҳтож эмас. 26 Худо битта одамдан жамики
элатларни яратиб, уларни бутун ер юзига жойлаштирди. У элатларнинг ҳаёти
вақтини ва улар истиқомат қиладиган жойларнинг чегараларини белгилаб
берди. 27 Худо буларни, Мени қидирсинлар, пайпасланиб бўлса–да, топсинлар деб
қилди. Ҳақиқатан ҳам, У ҳар биримиздан узоқда эмас. 28 Зотан, бир одамнинг
айтиши бўйича*: «Биз Унда яшаймиз, Унда ҳаракат қиламиз ва Унда мавжудмиз.»
Сизнинг шоирларингиздан бири шундай деган эди: «Биз ҳам Унинг
зурриётимиз.»

29 Биз Худонинг зурриётидан эканмиз, Худони инсон ўз санъати ва маҳорати
билан шаклга солган олтинга ёки кумушга, ё тошга ўхшатмаслигимиз керак.
30 Худо ўтмишда инсониятнинг жоҳиллигига эътибор бермади. Энди эса У ҳамма
жойдаги жамики халқларга: «Тавба қилинглар!» деб амр бермоқда. 31 Чунки У
дунё халқларини Ўзи тайинлаган Зот орқали адолат билан ҳукм қиладиган кунни
белгилади. Ўша Зотни ўликдан тирилтирди. Шу йўсинда жамики инсонларга бу
Зотнинг тайинланганини исбот қилди.”

32 Улар Павлуснинг ўликлар тирилиши ҳақидаги гапини эшитганларида,
баъзилар уни масхара қилди, аммо бошқалар: “Биз бу ҳақда яна сизнинг
гапларингизни эшитмоқчимиз”, дедилар. 33 Шундай қилиб, Павлус уларнинг
олдидан кетди. 34 Бир неча одам унга эргашиб, имонга келди. Имонга
келганларнинг орасида Арёпагус кенгашининг аъзоси Дионисис, Дамара исмли
аёл ва бошқа одамлар ҳам бор эди.

18–БОБ

Коринф шаҳрида

1 Шундан кейин Павлус Афинадан кетиб, Коринфга йўл олди. 2 У ерда Павлус
Акил деган бир яҳудий билан танишди. Акил Понтусда туғилган бўлиб, хотини
Прискилла билан Италиядан яқинда келган экан. Чунки Қайсар* Клавдий*, ҳамма
яҳудийлар Римдан чиқиб кетсин, деб фармон берган эди. Павлус уларни кўргани
борди. 3 Улар ҳамкасб бўлиб, чодир тикувчилик билан шуғулланганлари учун,
Павлус уларникида қолиб, ишлади. 4 Ҳар Шаббат куни у синагогада мунозара
ўтказиб, яҳудийлар ва ғайрияҳудийларни* ишонтиришга ҳаракат қиларди.
5 Силас билан Тимўтий Македониядан келганларидан кейин, Павлус бутун
вақтини Исо ҳақидаги хабарни ваъз қилишга бағишлади. У яҳудийларга Исонинг
Масиҳ экани тўғрисида гувоҳлик берарди. 6 Яҳудийлар эса Павлусга қарши чиқиб,
уни ҳақорат қилдилар. Павлус кийимларидан чангни қоқди–да*: “Қонингиз ўз
гарданингизда қолсин, менда айб йўқ, ҳозирдан бошлаб ғайрияҳудийлар орасига
кетганим бўлсин”, деди уларга. 7 Шундай қилиб, Павлус синагогани тарк этиб,
Титас Юстус* деган бир одамнинг уйига борди. Титас Юстус ҳам художўй* одам
бўлиб, унинг уйи синагоганинг ёнгинасида эди. 8 Синагоганинг қавмбошиси
Криспус бутун хонадони билан Раббимиз Исога имон келтирди. Павлусдан
Хушхабар эшитган Коринфликларнинг кўпчилиги ишониб, сувга чўмдирилдилар.
9 Бир куни тунда Раббимиз Исо ваҳийда Павлусга зоҳир бўлиб, деди: “Қўрқма!
Гапиравер, сукут сақлама! 10 Мен сен билан биргаман. Бу шаҳардаги кўпчилик
Менинг одамларим бўлгани учун ҳеч ким сенга зарар етказа олмайди.” 11 Шундай
қилиб, Павлус бу шаҳарда бир йилу олти ой туриб, халққа Худонинг каломидан
таълим берди.
12 Галлион Ахая вилоятига ҳокимлик қилган пайтларда*, яҳудийлар
биргалашиб Павлусга қарши чиқдилар ва уни судраб, маҳкамага олиб келдилар.
13 Улар шундай дедилар:
— Мана бу одам қонунга қарши йўллар билан Худога сажда қилишга халқни
даъват қиляпти.
14 Павлус энди гапирмоқчи бўлиб турган эди, Галлион яҳудийларга шундай
деди:
— Эй яҳудийлар! Агар даъвоингиз ёмон қилмиш ёки оғир жиноят масаласида
бўлганда эди, шикоятларингизни қабул қилишга сабаб топган бўлардим. 15 Аммо
бу даъволарингиз шунчаки айрим сўзлар, исмлар ва ўз қонунингиз борасида экан,
буларни ўзларингиз кўриб чиқаверинглар. Мен бу масалаларнинг ҳаками
бўлмайман.
16 Галлион яҳудийларни маҳкамадан ҳайдаб чиқарди. 17 Шунда оломон
синагога қавмбошиси Состенисни тутиб олди–да, маҳкаманинг олдида уни
калтаклади. Аммо Галлион буларнинг биронтасига эътибор бермади.

Павлус қисқа муддатга Антиохияга қайтади

18 Павлус Коринфда имонлилар билан узоқ вақт турди. Сўнг улар билан
хайрлашиб, кемада Сурияга сузиб кетди. Акил билан Прискилла ҳам у билан
бирга кетдилар. Павлус Худога онт ичгани учун Кенхреядан сузиб кетишдан
олдин сочини олдирди*. 19-21 Улар Эфесга етиб келдилар. Павлус синагогага бориб,
яҳудийлар билан мунозара ўтказди. Одамлар Павлусдан, биз билан узоқроқ
қолинг, деб илтимос қилдилар. Аммо Павлус рози бўлмади. Кетишидан олдин эса
уларга: “Худо хоҳиш билдирса*, сизларнинг олдингизга қайтиб келаман”, деди.
Шундан кейин Акил билан Прискиллани Эфесда қолдириб, ўзи кемада сузиб

кетди.

22 Павлус Қайсарияга етиб келгандан кейин, Қуддусга борди ва имонлилар
жамоати билан кўришди. Шундан сўнг Антиохияга кетди. 23 У ерда маълум вақт
бўлгач, яна йўлга чиқди* ва Галатия, Фригия ўлкаларини кезиб, барча
имонлиларга далда берди.

Аполлос

24 Шу пайтда Аполлос деган бир яҳудий Эфесга келди. У асли Искандариядан
эди. У гапга чечан одам бўлиб, Муқаддас битикларни* жуда яхши биларди. 25 У
Раббимиз Исонинг йўлида таълим олган бўлиб, оташин руҳ билан гапирарди. Исо
ҳақида тўғри таълим берарди. Сувга чўмдириш ҳақида эса фақатгина Яҳёнинг
таълимотини биларди*. 26 Аполлос синагогада жасорат билан гапира бошлади.
Прискилла билан Акил Аполлоснинг ваъзини эшитганларидан кейин, уни уйига
таклиф қилиб, Худонинг йўлини янада аниқроқ тушунтириб бердилар. 27 Аполлос
Ахаяга боришга қарор қилди. Эфесдаги имонлилар Ахаядаги шогирдларга,
Аполлосни яхши қабул қилсангизлар, деб мактуб ёздилар. Аполлос Ахаяга келгач,
Худонинг иноята билан имонга келганларга катта ёрдам берди. 28 Аполлос,
Муқаддас битиклар асосида Исонинг Масиҳ эканини исбот этиб, қатъият билан
яҳудийларнинг ноҳақлигини очиқчасига фош қиларди.

19–БОБ

Павлус Эфес шаҳрида

1 Аполлос Коринфда экан, Павлус қирлар бўйлаб йўл юриб, Эфес шаҳрига
келди. Бу ерда у Исога имон қўйган бир нечта одамни учратди. 2 Павлус улардан:

— Имонга келганларингизда, Муқаддас Руҳни қабул қилдингизларми? — деб
сўради. Улар:

— Йўқ, биз Муқаддас Руҳ борлигини ҳатто эшитмаганмиз, — деб жавоб
бердилар.

3 — Ундай бўлса, қай асосда сувга чўмдирилдингизлар? — деб сўради Павлус.

— Яҳёнинг таълимотига кўра, сувга чўмдирилдик, — деб жавоб берди улар.
4 Шунда Павлус деди:

— Яҳё тавба қилганларни сувга чўмдирар эди. У Исроил халқига, мендан
кейин келаётганга, яъни Исога, имон келтиринглар, деган эди.

5 Улар бу гапни эшитиб, Раббимиз Исонинг номидан сувга чўмдирилдилар.
6 Павлус уларга қўлини қўйган эди, Муқаддас Руҳ уларни қамраб олди. Улар
бошқа* тилларда гапира бошладилар ва Худо аён қилган сўзларни айтдилар.
7 Улар тахминан ўн икки киши эди.

8 Павлус синагогага уч ой давомида бориб, жасорат билан халққа гапириб,
Худонинг Шоҳлиги тўғрисида ишончли далиллар келтирди. 9 Аммо баъзилари
ўжарлик қилиб, умуман ишонмадилар ва ҳамманинг олдида Исонинг йўли
тўғрисида ёмон гапларни айтдилар. Павлус ёнига имонлиларни олиб, уларнинг
ҳузуридан кетди. Ҳар куни у Тиранус деган одамнинг маъруза залида мунозара
ўтказадиган бўлди. 10 Бу ҳолат икки йил давом этди, Асия аҳолисининг ҳаммаси
— яҳудийлар ҳам, ғайрияҳудийлар* ҳам Раббимиз Исо ҳақидаги хабарни
эшитишди.

11 Худо Павлус орқали ғаройиб мўъжизалар кўрсатар эди. 12 Павлуснинг
танасига теккан рўмолча ёки кийимлар хасталарга теккизилганда, улар
хасталикларидан шифо топар, улардан ёвуз руҳлар чиқиб кетарди.

13-14 Скевас деган яҳудий бош руҳонийси бор эди. Унинг етти ўғли ўлка бўйлаб

кезиб, одамлардан ёвуз руҳларни қувиб чиқарар эдилар. Бир куни улар Раббимиз Исонинг номи билан шундай қилишга уриниб, ёвуз руҳга: “Павлус эълон қилаётган Исо номи билан буюрамиз: чиқиб кет!” дедилар. 15 Ёвуз руҳ эса уларга: “Мен Исони биламан, Павлусни ҳам биламан, сизлар эса ким бўлибсизлар?” деб сўради. 16 Ичида ёвуз руҳи бор одам уларга ташланди. Уларни шу қадар қаттиқ урдики, улар ўша уйдан яланғоч, ярадор ҳолда зўрға қочиб қутулдилар. 17 Эфесда яшаган яҳудий ва ғайрияҳудийларнинг* ҳаммаси бу воқеани эшитиб, қўрқувга тушдилар. Раббимиз Исонинг номи улуғланди. 18 Шунингдек, имонга келганларнинг кўпчилиги қилмишларини очиқчасига эътироф этдилар. 19 Афсунгарлик билан машғул бўлганларнинг бир қанчаси китобларини тўплаб, омманинг кўзи олдида ёқиб юбордилар. Бу китобларнинг қиймати ҳисобланганда, эллик минг кумуш танга* чиқди. 20 Шу тариқа Раббимиз ҳақидаги хабар ёйилиб, таъсири тобора ортиб борар эди.

21 Шу ҳодисалар юз бергандан кейин, Павлус Македония ва Ахаядан ўтиб, Қуддусга боришга қарор қилди. “У ерга борганимдан кейин, Римга ҳам боришим керак”, деди у. 22 Шундай қилиб, у икки ёрдамчиси — Тимўтий билан Эрастусни Македонияга юборди. Павлуснинг ўзи эса маълум вақт Асия вилоятида қолди.

23 Аммо ўша пайтда Исонинг йўлига қарши қаттиқ ғала–ғовур бўлди. 24 Демитрус деган бир заргар одам Артемиснинг* маъбади тасвирини кумушдан ясаб, ҳунармандларга кўп фойда келтирарди. 25 Демитрус бу соҳада ишлайдиган ҳамма ҳунармандларни чақириб, шундай деди:

— Биродарлар, биласизларки, биз шу ҳунар орқали яхши даромад оламиз. 26 Сизлар фақат Эфесдагина эмас, балки бутун Асия вилоятида Павлус деган одамнинг қилаётганларини кўриб эшитяпсизлар. Павлуснинг айтиши бўйича, қўлда ясалган худолар асло худолар эмасмиш. У кўпчиликни шунга ишонтириб, йўлдан уряпти. 27 Шуниси хавфлики, бизнинг бу ҳунаримиз халқнинг назаридан қолиши мумкин. Фақат шугина эмас, балки бошқа хавф ҳам бор: буюк Артемиснинг маъбади ҳеч нарсага арзимас экан деган фикрга олиб келади. Асия вилояти ва бутун дунёдаги ҳамма одам топинадиган бу маъбуданинг улуғворлиги барҳам топади–ку!

28 Ҳунармандлар бу гапни эшитганларида, ғазабланиб: “Эфеснинг Артемиси буюкдир!” деб шовқин–сурон кўтардилар. 29 Шаҳарда тўс–тўполон бошланди. Халқ иккита Македонияликни — Гаюс билан Аристархусни тутиб олиб, театр томонга шошилдилар. Иккалови Павлусга йўлда ҳамроҳ бўлиб келаётган эдилар. 30 Павлус оломон олдига чиқмоқчи бўлган эди, имонлилар йўл қўймадилар. 31 Ҳатто Павлуснинг дўстлари бўлган Асия вилоятининг баъзи амалдорлари хабар бериб, театрга киришга таваккал қилманг, деб илтимос қилдилар. 32 Оломон саросимага тушган эди. Баъзилари бир нарса деб шовқин солса, бошқалари бошқа нарсани айтиб шовқин соларди. Уларнинг кўпчилиги нима учун йиғилганини билмасди. 33 Яҳудийлар оломонга вазиятни тушунтирмоқчи бўлиб, Искандар деган бир одамни олдинга чиқардилар. Искандар қўли билан оломонга, жим бўлинглар деган ишорани қилиб, ҳимоя нутқини айтишга ҳаракат қилди. 34 Аммо халқ унинг яҳудий эканини билгач, ҳаммалари жўр бўлиб: “Эфесликларнинг Артемиси буюкдир!” деб икки соатга яқин бақириб туришди.

35 Шаҳар котиби оломонни тинчлантиргач, шундай деди:

— Эй Эфесликлар! Буюк Артемис маъбадининг ва осмондан тушган ҳайкалининг* сақловчиси Эфес шаҳри эканини ким билмайди?! 36 Буларни ҳеч ким инкор эта олмайди. Шундай экан, сизлар сукут сақлаб, ўйламасдан қадам босмаслигингиз керак. 37 Бу одамлар маъбадни талон–тарож қилмаган ёки

маъбудамизни ҳақорат қилмаган, сизлар эса уларни бу ерга олиб келибсизлар.
38 Агар Демитрус билан унинг ҳунармандлари бирон одамни айблайдиган бўлса,
маҳкамалар очиқ, қозилар бор, бир–бирига қарши айбловларни ўша ерда ҳукм
қилишсин. 39 Агар бошқа бир чора кўрмоқчи бўлсангиз, у аҳолининг қонуний
йиғинида ҳал қилинади. 40 Ахир, бугун юз берган воқеадан кейин бизни исёнда
айблашлари мумкин. Бизда бу шовқин–суронни оқлайдиган бирон сабаб йўқ.
У шу гапларни айтиб, оломонни тарқатиб юборди.

20–БОБ

Павлус Македония ва Юнонистонда

1 Шовқин–сурон босилгач, Павлус имонлиларни чақириб, уларга далда берди.
Кейин улар билан хайрлашиб, Македонияга йўл олди. 2 У ўзи босиб ўтган ҳамма
шаҳарларда имонлиларга кўп далда берди. Сўнг Юнонистонга* бориб, 3 у ерда уч
ой турди. У Сурияга сузиб кетмоқчи бўлган эди, яҳудийлар унга қарши фитна
уюштираётганини билиб қолди. Шунинг учун Македония орқали қайтишга қарор
қилди. 4 Вериядан Пирус ўғли Сопатрус, Салоникадан Аристархус ва Секундус,
Дарбадан Гаюс, Тимўтий, Асия вилоятидан Тихикус ва Трофимус Павлусга ҳамроҳ
бўлдилар. 5 Улар биздан* олдин кетиб, Троасда бизни кутиб турган эдилар.
6 Хамиртурушсиз нон байрамидан* кейин биз Филиппидан сузиб кетдик. Беш
кундан сўнг эса Троасда улар билан учрашиб, у ерда етти кун турдик.

Павлуснинг Троасга охирги сафари

7 Якшанба куни биз Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдириш* учун йиғилдик.
Павлус одамларга ярим кечасигача гапирди. Эртаси куни у жўнаб кетишни
режалаштирган эди. 8 Биз йиғилган болохонада кўп чироқлар ёниб турарди.
9 Эвтихус деган бир йигит дераза рахида ўтирган эди. Павлус гапини давом
эттирар экан, Эвтихусни қаттиқ уйқу босди. Уйқу ғолиб келиб, Эвтихус учинчи
қаватдан ерга йиқилди. Уни кўтарганларида, жон берган эди. 10 Павлус пастга
тушди, эгилиб, йигитни қучоқлади–да: “Хавотир олманглар, у тирик”, деди.
11 Сўнгра Павлус яна болохонага қайтиб чиқди. Раббимизни хотирлаб, нон
синдириб, овқатланди. Улар билан тонг отгунча суҳбатлашди, кейин йўлга чиқди.
12 Шу орада бу йигитни уйига тирик олиб бордилар, имонлилар бу воқеадан ғоят
тасалли топдилар.

Троасдан Митилинага

13 Павлус Ассас шаҳрига қуруқлик орқали кетишга қарор қилди.
Қолганларимиз эса ундан олдин кемада сузиб кетдик. Павлус ўша шаҳарда кемага
чиқиб, бизга қўшилади, деб режалаштирган эдик. Зотан, у бизга шундай
қилишини айтган эди. 14 Павлус биз билан Ассасда учрашгандан кейин, уни
кемага олиб, Митилина шаҳрига йўл олдик. 15 Биз у ердан сузиб, эртаси куни Хиос
ороли яқинига етиб бордик. Кейинги куни Самос оролига, унинг эртасига*
Милейтус шаҳрига етиб бордик. 16 Павлус Асия вилоятида вақтни йўқотмаслик
учун Эфесни четлаб ўтишга қарор қилди. Агар имконини топса, Ҳосил байрамида
Қуддусда бўлишни жуда истаётган эди.

Эфес оқсоқолларига Павлус оташин нутқ сўзлайди

17 Павлус Милейтусдан Эфесга хабар юбориб, имонлилар жамоатининг
оқсоқолларига: “Менинг ҳузуримга келсангизлар”, деб илтимос қилди.
18 Оқсоқоллар Павлуснинг ҳузурига келганларида, у оқсоқолларга деди: “Мен
Асия вилоятига келган биринчи кунимдан бошлаб сизларнинг орангизда қандай

яшаганимни ўзларингиз биласизлар. 19 Мен кўп кўз ёш тўкиб, камтарлик билан
Раббимиз Исога хизмат қилдим. Яҳудийларнинг фитналари дастидан келган
синовларни бошдан кечирдим. 20 Ўзларингиз биласизлар, мен сизларга бирон
фойда келтиришдан ўзимни олиб қочмадим. Балки уйма–уй юриб, таълим
бердим, халқ олдида ваъз қилдим. 21 Мен яҳудийларни ҳам, ғайрияҳудийларни*
ҳам тавбага чақирдим. Худога юз бурinглар, Раббимиз Исога имон келтиринглар,
деб уларга жиддий насиҳат қилдим.
22 Энди эса Муқаддас Руҳнинг асири бўлиб, Қуддусга отланяпман. У ерда менга
нима бўлишини билмайман. 23 Аммо мени қамоқ ва қувғинлар кутаётгани
тўғрисида Муқаддас Руҳ ҳар бир шаҳарда огоҳлантириб келмоқда. 24 Лекин
ҳаётим ўзим учун ҳеч нарсага арзимайди, деб ҳисоблайман. Мен фақат вазифамни
охирига етказишни ва Раббимиз Исо менга юклаган ишни тугатишни истайман.
Бу иш Худонинг иноятн тўғрисидаги Хушхабарни эълон қилишдир.
25 Мен ораларингизда бўлиб, Худонинг Шоҳлигини ваъз қилдим. Энди шуни
биламанки, биронтангиз ҳам менинг юзимни бошқа кўрмайсизлар. 26 Шунинг
учун бугун сизларга шуни эълон қиламан: мен бировнинг ҳалокати учун масъул
эмасман. 27 Ахир, мен Худонинг ҳамма мақсадини сизларга баён қилишдан бўйин
товламадим. 28 Ўзларингизни эҳтиёт қилинглар, сурувни ҳам эҳтиёт қилинглар.
Чунки Муқаддас Руҳ уларни сизнинг қарамоғингизга берган. Худонинг жамоатига
чўпон бўлинглар. Худо жамоатни Ўз Ўғлининг қони эвазига сотиб олган.
29 Биламан, мен кетганимдан кейин сизларнинг орангизга йиртқич бўрилар
келади, улар сурувга шафқат қилмайди. 30 Ҳатто ўз ораларингиздан баъзи
одамлар чиқиб, имонлиларни ортидан эргаштириб, ҳақиқатни бузиб
гапирадилар. 31 Ҳушёр бўлинглар! Мана шу уч йил давомида кечаю кундуз кўз ёш
тўкиб, ҳар бирингизга қилган панд–насиҳатларимни ёдингизда тутинглар.
32 Энди мен сизларни Худога ва Унинг марҳамати ҳақидаги хабар паноҳига
топширдим. Бу хабар сизларга куч–қудрат ато қилиб, жамики муқаддас
қилинганлар орасида мерос беришга қодирдир. 33 Мен ҳеч кимнинг кумуши ёки
олтини, ё кийимига кўз олайтирмадим. 34 Ўзларингиз биласизларки, ўзимни ва
шерикларимни таъминлаш учун қўлларим билан меҳнат қилдим. 35 Мен сизларга
бу борада намуна бўлиб, заифларни қандай қўллаб–қувватлашимиз кераклигини
кўрсатдим. Раббимиз Исо айтган шу сўзларни* эслайлик: «Олмоқдан кўра, бермоқ
кўпроқ марҳамат келтиради.»”
36 Павлус гапини тугатгандан кейин, ҳамма билан бирга тиз чўкиб, ибодат
қилди. 37 Ҳаммалари йиғлаб, Павлусни бағирларига босдилар, у билан ўпишиб
хайрлашдилар. 38 Павлус: “Энди мени ҳеч қачон кўрмайсизлар”, деб айтгани учун
улар ниҳоятда ғамгин бўлиб қолдилар. Улар Павлусни кемагача кузатиб
бордилар.

21–БОБ

Павлуснинг Қуддусга саёҳати

1 Биз* улар билан хайрлашиб, кемага ўтирдик ва тўғри Кос оролига келдик.
Эртаси куни Родос оролига, кейин эса Патара шаҳрига бордик. 2 У ерда биз
Финикияга кетаётган кемани топиб, ўша кемада сузиб кетдик. 3 Кипрга
яқинлашганимизда, бу оролни чап томонимизда қолдириб, Финикияга* йўл
олдик. Тирда кемадан юк туширмоқчи бўлганлари учун биз қирғоқда қолдик.
4 Исонинг у ердаги шогирдларини қидириб топдик ва улар билан бир ҳафта
қолдик. Улар Муқаддас Руҳдан илҳомланиб, Павлусга: “Қуддусга борманг”, деб

айтдилар. 5 Бу ерда вақтимиз охирлаб қолгач, йўлга чиқиб, сафаримизни давом
эттирдик. Имонлиларнинг ҳаммаси, хотинлари ва бола–чақалари билан бирга,
бизни шаҳар ташқарисигача кузатиб чиқди. Денгиз бўйида тиз чўкиб, ибодат
қилдик. 6 Сўнг бир–биримиз билан хайрлашдик. Биз кемага чиқдик, улар ҳам
уйларига қайтиб кетдилар.
7 Биз Тир шаҳридан саёҳатни давом эттириб, Птолемай шаҳрига келдик. У
ердаги имонлиларни зиёрат этиб, бир кун ёнларида қолдик. 8 Эртаси куни йўлга
чиқиб, Қайсарияга келдик. Хушхабарчи Филипнинг уйига бориб, уникида қолдик.
Филип озиқ–овқат тақсимлаш учун сайланган етти кишидан* бири эди.
9 Филипнинг турмушга чиқмаган тўртта қизи бўлиб, уларга башорат қилиш
инъоми берилган эди. 10 У ерда бир неча кун бўлганимиздан кейин, Яҳудиядан
Хагабус* деган пайғамбар келди. 11 У бизнинг олдимизга келди ва Павлуснинг
камарини олиб, ўзининг оёқ–қўлларини боғлади–да, шундай деди:
— Муқаддас Руҳ демоқда: мана бу камарнинг эгасини яҳудийлар Қуддусда
худди шу сингари боғлаб, уни ғайрияҳудийлар* қўлига топширадилар.
12 Бу гапни эшитганимиздан кейин биз ҳам, у ердаги одамлар ҳам Павлусга,
Қуддусга борманг, деб ялиниб–ёлвордик. 13 Шунда Павлус қуйидагича жавоб
берди:
— Нима қиляпсизлар? Нимага йиғлаб, юрагимни сиқяпсизлар? Мен фақат
оёқ–қўлларимнинг боғланишига эмас, балки Раббимиз Исонинг номи учун
Қуддусга бориб ўлишга ҳам тайёрман.
14 Биз Павлусни кўндира олмаганимиздан кейин, “Раббимиз истаганидай
бўлсин”, деб жим қолдик. 15 Бу ерда маълум вақт бўлганимиздан кейин,
тайёргарлигимизни кўриб, Қуддусга йўл олдик. 16 Қайсариядан Исонинг баъзи
шогирдлари биз билан бирга бордилар. Улар бизни дастлабки имонлилардан
бўлган Киприлик Минасоннинг уйига олиб келдилар. Биз унинг хонадонида
қолдик.
17 Қуддусга келганимизда, имонлилар бизни хурсандчилик билан қабул
қилдилар. 18 Кейинги куни Павлус биз билан бирга Ёқубни* кўргани борди. Барча
жамоат оқсоқоллари ҳам у ерда йиғилишган эди. 19 Павлус улар билан
саломлашгандан кейин, ўзининг хизмати орқали ғайрияҳудийлар орасида Худо
қилган ишларни батафсил ҳикоя қилиб берди. 20 Улар бу гапларни эшитиб, Худога
ҳамду сано айтдилар. Кейин Павлусга дедилар:
— Биродаримиз Павлус, кўриб турибсизки, яҳудийлар орасида бир неча минг
одам имонга келган. Уларнинг ҳаммаси қонунга чин дилдан ўзларини
бағишлаганлар. 21 Уларнинг эшитишича, сиз ғайрияҳудийлар орасида яшаётган
ҳамма яҳудийларга, Мусонинг қонунидан воз кечинглар, болаларингизни суннат
қилманглар*, яҳудийларнинг урф–одатларига риоя қилманглар, деб таълим
берган экансиз. 22 Энди нима бўлади? Сизнинг келганингизни улар албатта
эшитадилар. 23 Энди бизнинг айтганларимизни қилинг. Орамизда назр атаган
тўртта одам* бор. 24 Бу одамлар билан бирга Маъбадга бориб, у ерда покланиш
маросимида иштирок этинг. Улар сочларини олдирганларида талаб қилинган
покланиш қурбонлигининг харажатларини улар учун ўзингиз тўланг. Ана шунда,
сиз тўғрингизда айтилган гаплар ҳақиқат эмаслигини, сиз эса Мусонинг қонунига
риоя қилган ҳолда яшаётганингизни ҳамма билиб олади. 25 Имонли
ғайрияҳудийларга келсак, бир қанча вақт олдин биз уларга мактуб жўнатиб*,
қуйидаги қароримизни маълум қилган эдик: “Бутларга келтирилган қурбонлик
гўштини ва қони чиқарилмаган ҳайвон гўштини тановул қилишдан ҳамда
фаҳш–зинодан* ўзларингизни тийинглар.”

26 Эртаси куни Павлус ўша одамларни ёнига олиб, улар билан бирга ўзини
поклади. Сўнг Маъбадга кириб, покланиш кунлари қачон тугашини, ҳар бир одам
учун қачон қурбонлик келтирилишини эълон қилди.

Павлус Маъбадда қамоққа олинади

27 Етти кунлик маросим охирлаб қолган эди. Асия вилоятидан келган
яҳудийлар Павлусни Маъбадда кўриб қолдилар. Улар оломонни қайраб, Павлусни
ушладилар.
28 — Эй Исроил халқи! Ёрдам беринглар! — деб шовқин солди улар. — Манави
одам ҳамма жойда бизнинг халқимизга, қонунимизга, Маъбадга қарши таълим
бериб юради. Бунинг устига, у ғайрияҳудийларни* Маъбадга олиб келиб*, бу
муқаддас жойни булғади!
29 Бундай дейишларига сабаб, бундан олдин улар Эфеслик Трофимусни
шаҳарда Павлус билан бирга кўришган бўлиб, “Павлус ўша ғайрияҳудийни
Маъбадга олиб кирди”, деб ўйлаган эдилар.
30 Бутун шаҳар оёққа турди, халқ биргалашиб ҳаракатга келди. Улар Павлусни
тутиб, Маъбаддан судраб чиқариб ташладилар. Ўша заҳоти Маъбад эшиклари
ёпилди. 31 Оломон энди Павлусни ўлдирмоқчи бўлиб турган эди, Рим
лашкарининг мингбошисига: “Бутун Қуддус оёққа турди” деган хабар етиб келди.
32 Мингбоши ўша заҳоти аскарлари ва юзбошиларни олиб, оломон томонга
югуриб кетди. Оломон мингбоши билан унинг аскарларини кўргач, Павлусни
калтаклашни бас қилдилар. 33 Мингбоши Павлуснинг олдига келиб, уни қамоққа
олди ва иккита кишан билан боғлашни буюрди. Сўнгра у: “Бу одам ким? У нима
қилди?” деб сўради. 34 Оломон орасидан баъзилари бир нималар деб шовқин
солди, бошқаси яна нималардир деди. Ғала–ғовур бўлганидан мингбоши нима юз
берганини аниқ била олмади. Шунинг учун у Павлусни қалъага* олиб боришни
буюрди. 35 Павлус қалъанинг зинапоясига келганда, оломон шунчалик жунбишга
келдики, аскарлар Павлусни кўтариб кетишларига тўғри келди. 36 Оломон
Павлуснинг ортидан эргашиб: “Унга ўлим!” деб шовқин соларди.
37 Аскарлар Павлусни қалъага олиб кираётганларида, у мингбошига:
— Сизга бир нарсани айтсам майлими? — деди.
— Юнонча биласанми?! — деб ҳайрон қолди мингбоши. — 38 Бир қанча вақт
олдин исён бошлаб, тўрт минг қуролланган каллакесарни саҳрога олиб чиққан
Мисрлик мабодо сен эмасмисан?
39 — Мен яҳудийман, Киликиядаги Тарсус шаҳриданман*, — деди Павлус. —
Ўша муҳим шаҳарнинг фуқаросиман. Илтимос, халққа гапиришимга ижозат
беринг.
40 Мингбоши Павлусга ижозат бергач, у зинапояда туриб, одамларга қўли
билан: “Жим бўлинглар!” деган ишорани қилди. Одамлар тинчлангандан кейин,
Павлус уларга орамий тилида* гапира бошлади.

22–БОБ

1 Павлус оломонга шундай деди: “Биродарларим, оталар! Гапимга қулоқ
солинглар, сизларнинг олдингизда ўзимни оқлай.” 2 Одамлар унинг орамийча*
гапираётганини эшитиб, сув қуйгандай, жим бўлиб қолдилар. Павлус гапида
давом этди: 3 “Мен яҳудийман, Киликиядаги Тарсус шаҳрида* туғилганман, аммо
Қуддусда улғайдим. Бу шаҳарда Гамалиёлнинг* шогирди бўлиб,
ота–боболаримизнинг қонунига жиддий эътибор бериб таълим олдим. Худди
бугунгидай сизларга ўхшаб, Худога ўзимни бағишладим. 4 Исонинг йўлига кирган

одамларни ўлгудай қувғин қилардим, эркагу аёлни боғлаб, зиндонга ташлардим.
5 Айтаётганларим ҳақиқат эканини олий руҳоний билан бутун Кенгаш тасдиқлай
олади. Улар Дамашқдаги яҳудий биродарларимизга хат ёзиб бердилар. Шундай
қилиб, мен бу одамларни кишанлаб, Қуддусга олиб келиб жазолаш учун
Дамашққа жўнадим.

Павлус ўзининг имонга келиши тўғрисида сўзлаб беради

6 Мен йўлимда давом этиб, Дамашққа яқинлашиб қолганимда, туш пайти
бирдан осмондан ёп–ёруғ нур менинг ён–атрофимни ёритиб юборди. 7 Мен ерга
йиқилдим. Шу пайт: «Шоул!* Шоул! Нега сен Мени қувғин қиляпсан?» деган бир
овозни эшитдим. 8 «Ё Ҳазратим! Сиз кимсиз?» деб сўрадим. Шунда У менга: «Сен
қувғин қилаётган Носиралик Исоман», деб жавоб берди. 9 Менинг ёнимдагилар
нурни кўрардилар–у*, аммо мен билан гаплашаётганнинг овозини эшитмасдилар.
10 Шунда мен: «Ё Раббим Исо, нима қилай?» деб сўрадим. Раббий менга шундай
деди: «Ўрнингдан тур, Дамашққа бор. Нима қилишинг кераклигини Худо
белгилаб қўйган. Ҳамма нарса ўша ерда сенга айтилади.» 11 Ўша нурнинг
ярқирашидан кўзларим кўрмай қолган эди. Шунинг учун ҳамроҳларим
қўлларимдан ушлаб, мени Дамашққа олиб кетдилар.

12 Ўша шаҳарда Ханониё деган бир тақводор, қонунга итоат этадиган одам бор
эди. У ўша шаҳардаги ҳамма яҳудийлар орасида катта обрўга эга эди. 13 Ханониё
олдимга келиб, ёнимда турди–да: «Биродарим Шоул! Кўзларинг яна очилсин!»
деди. Ўша заҳоти кўзларим очилиб, Ханониёни кўрдим. 14 Шунда у деди:
«Ота–боболаримизнинг Худоси сени танлади. Токи сен Унинг хоҳишини билгин,
Солиҳ Зотни* кўриб, Унинг овозини эшитгин. 15 Сен кўриб–эшитганларинг
тўғрисида бутун оламга Унинг гувоҳи бўласан. 16 Энди нимани кутяпсан?
Ўрнингдан тур, сувга чўмгин. Раббимизга илтижо қилиб, гуноҳларингни ювгин.»

17 Мен Қуддусга қайтиб келганимдан кейин, Маъбадда ибодат қилаётганимда,
менга бир ваҳий келди. 18 Мен Раббим Исони кўрдим, У шундай деди: «Тез бўл,
Қуддусдан зудлик билан кет! Бу ердаги одамлар Мен тўғримда берган
гувоҳлигингни қабул қилмайдилар.» 19 Мен эса: «Ё Раббий! — дедим. — Мен
синагогаларга бориб, Сенга ишонган одамларни қамаб, калтаклаганимни улар
яхши биладилар. 20 Шоҳидинг* Стефан ўлдирилганда, мен ўша ерда эдим, унинг
ўлдирилишини маъқуллаб, уни ўлдираётганларнинг кийимларига пойлоқчилик
қилиб турган эдим.» 21 Раббим Исо менга: «Кетавер, — деди. — Сени узоқдаги
ғайрияҳудийларнинг олдига юбораман.»”

22 Халқ Павлусга қулоқ солиб турди. Аммо у шу гапини айтиши биланоқ, улар
овози борича, шовқин солди:

— Йўқотинглар уни! Ўлдиринглар! У яшашга лойиқ эмас!

23 Улар бақир–чақир қилиб, кийимларини отиб, ҳавони чанг–тўзон қилиб
юбордилар. 24 Рим мингбошиси одамларига:

— Павлусни қалъага олиб киринглар! — деб буйруқ берди. Сўнгра у яна
одамларига:

— Уни қамчиланглар! Нима учун одамлар унга қарши бақир–чақир қилганини
билинглар! — деди.

25 Павлусни қамчилаш учун боғлаётганларида, Павлус ўша ерда турган
юзбошига деди:

— Рим фуқаросининг* бирон айби топилмаган бўлса ҳам, уни қамчилаш
сизларнинг қонунингизда борми?

26 Юзбоши бу гапни эшитиб, мингбошининг олдига борди–да:

— Нима қилмоқчисиз? Ахир, бу одам Рим фуқароси экан–ку! — деди.

27 Мингбоши Павлуснинг олдига келиб, ундан:
— Менга айт–чи, сен Рим фуқаросимисан? — деди.
— Ҳа, — деб жавоб берди Павлус.
28 Мингбоши:
— Мен катта миқдорда пул тўлаб, фуқароликни олган эдим, — деди.
— Мен эса Рим фуқароси бўлиб туғилганман, — деди Павлус.
29 Павлусни сўроқ қилмоқчи бўлиб турганлар ўша заҳоти ундан қўлларини тортдилар. Мингбоши Павлуснинг Рим фуқароси эканини эшитиб, уни кишанлагани учун қўрқиб кетди.

Павлус Олий кенгаш олдида

30 Яҳудийлар Павлусни нима учун айблаётганларини мингбоши билмоқчи бўлди. Эртаси куни у Павлусни озод қилди ва “бош руҳонийлар билан Олий кенгаш аъзолари йиғилсин”, деб буюрди. Мингбоши Павлусни уларнинг қошига олиб келди.

23–БОБ

1 Павлус Олий кенгаш аъзоларига диққат билан қараб шундай деди:
— Биродарлар! Шу кунгача мен Худо олдида тоза виждон билан яшадим.
2 Олий руҳоний Ханониё Павлуснинг ёнида турганларга: “Унинг оғзига уринглар!” деб буюрди. 3 Павлус унга деди:
— Худо албатта сизни уради, эй оқланган девор! Сиз қонунга кўра, мени ҳукм қилгани ўтирибсиз–ку! Нега энди қонунни бузиб, мени уришга амр беряпсиз?!
4 Павлусга яқин турган одамлар:
— Сен ҳали Худонинг олий руҳонийсини ҳақорат қиляпсанми?! — дедилар.
5 — Биродарлар, мен унинг олий руҳоний эканини билмабман, — деди Павлус. — Муқаддас битикларда: “Ўз халқинг йўлбошчиси тўғрисида ёмон гапирмагин”*, деб айтилган.
6 Павлус билдики, бу ердагиларнинг баъзилари саддуқийлар, бошқалари фарзийлар экан. У Олий кенгашга қараб даъват қилди:
— Биродарлар! Мен фарзийман, фарзийнинг ўғлиман. Ўликлар тирилади, деб умид қилганим учун мени ҳукм қиляптилар.
7 Павлус шу гапларни айтгач, фарзийлар ва саддуқийлар баҳслаша бошладилар, гуруҳ иккига бўлинди. 8 Саддуқийлар, тирилиш ҳам, фаришта ҳам, руҳ ҳам йўқ, деб айтардилар, фарзийлар эса учаласига ҳам ишонардилар. 9 Шунда шовқин–сурон авжига чиқди. Фарзий мазҳабидан бўлган баъзи Таврот тафсирчилари ўринларидан туриб, қаттиқ эътироз билдирдилар:
— Биз бу одамда бирон айб топмадик. Эҳтимол, руҳ ёки фаришта унга гапирган бўлиши мумкин*.
10 Баҳс шу даражада кучайиб кетдики, мингбоши: “Павлусни тилка–пора қилишмасайди”, деб қўрқиб кетди. Шундан кейин у аскарларга: “Пастга тушинглар, Павлусни зудлик билан олиб чиқиб, қалъага* олиб киринглар!” деб буюрди.
11 Ўша куни тунда Павлуснинг олдига Раббимиз Исо келиб, шундай деди: “Дадил бўл! Сен Қуддусда Мен учун гувоҳлик берган эдинг, энди Римда ҳам гувоҳлик беришинг керак.”

Павлусга қарши фитна

12 Эрталаб бир неча яҳудийлар йиғилиб, фитна қўзғадилар. Улар: “Павлусни ўлдирмагунимизча еб–ичмаймиз”, дея қасам ичдилар. 13 Қасам ичганлар қирқ

кишидан ортиқ эди. 14 Шундан кейин улар бош руҳонийлар билан
йўлбошчиларнинг олдига бориб айтдилар:
— Биз, Павлусни ўлдирмагунимизча, еб–ичмаймиз, деб қатъий қасам ичдик.
15 Энди сизлар ва Олий кенгаш аъзолари мингбошига: “Павлусни бизнинг
ҳузуримизга олиб кел, у тўғрида маълумотларни яхшироқ текшириб
кўрмоқчимиз”, деб буюринглар. Павлус ҳузурингизга етиб келмасдан олдин уни
ўлдирамиз.
16 Павлуснинг жияни, яъни синглисининг ўғли бу фитна ҳақида эшитиб қолди.
У қалъага бориб, Павлусга бу тўғрида айтиб берди. 17 Павлус Рим юзбошиларидан
биттасини чақирди–да, шундай деди:
— Манави йигитни мингбошининг олдига олиб бор. У мингбошига бир нарса
тўғрисида хабар бермоқчи.
18 Юзбоши йигитни мингбошининг олдига олиб бориб, деди:
— Маҳбус Павлус мени чақириб, манави йигитни сизнинг олдингизга олиб
келишимни илтимос қилди. Унинг сизга айтадиган гапи бор экан.
19 Мингбоши йигитни қўлидан ушлаб бир четга олиб ўтди–да, сўради:
— Менга нима тўғрисида хабар бермоқчисан?
20 У шундай жавоб берди:
— Яҳудийлар сиздан: “Эртага Павлусни Олий кенгашга олиб келинг”, деб
илтимос қилишга келишиб олишди, гўё Олий кенгаш Павлус тўғрисидаги
маълумотларни аниқроқ қилиб текширишар эмиш. 21 Аммо уларга қулоқ солманг!
Қирқтадан кўпроқ одам яшириниб, Павлусни кутиб ётибди. Улар, Павлусни
ўлдирмагунимизча, еб–ичмаймиз, деб қасамёд қилганлар. Улар ҳозир тайёр
бўлиб, сизнинг қароингизни кутяптилар.
22 Мингбоши йигитга:
— Менга берган хабарингни биронтасига айта кўрма! — деди. Сўнг унга
рухсат берди.

Павлус ҳоким Феликс ҳузурида

23 Мингбоши юзбошилардан иккитасини ёнига чақириб, деди:
— Оқшом соат тўққизда Қайсарияга* кетиш учун икки юзта пиёда аскарни,
етмишта отлиқ аскарни, икки юзта найзабардорларни тайёр қилиб қўйинглар.
24 Павлусни ҳам отга миндириб олинглар. Уни ҳоким Феликс* олдига эсон–омон
олиб боринглар.
25 Мингбоши қуйидаги мазмунда мактуб ёзди:

> 26 “Клавдиюс Лисиясдан ҳоким Феликс жаноби олийларига саломлар!
> 27 Яҳудийлар бу одамни ушлаб, ўлдирмоқчи бўлдилар. У Рим фуқароси
> эканини билганимдан кейин, мен аскарларим билан бирга бориб, уни
> қутқариб қолдим. 28 Унинг қандай айби бор эканлигини билмоқчи бўлиб,
> уни яҳудийларнинг Олий кенгашига олиб келдим. 29 Мен шуни билдимки, у
> яҳудийларнинг қонунига оид масалаларда айбланган экан. Аммо ўлимга
> ёки зиндонга ташланишга лойиқ бирон иш қилмаган. 30 Бу одамга қарши
> фитна уюштирилаётганидан хабар топганимдан кейин, ўша заҳоти уни
> сизнинг ҳузурингизга юборишга қарор қилдим. Унинг айбловчиларига
> ҳам, даъволарингизни ҳоким Феликсга бориб айтинглар, дедим*.”

31 Шундай қилиб, аскарлар мингбошининг кўрсатмасига мувофиқ, Павлусни
олиб, тун бўйи юриб, Антипатрис шаҳрига* олиб келдилар. 32 Эртаси куни отлиқ
аскарлар Павлус билан бирга йўлда давом этди, қолганлар эса қалъага қайтиб

кетдилар. 33 Отлиқ аскарлар Қайсарияга етиб келганларидан кейин, ҳокимга мактубни бердилар, Павлусни ҳам ҳокимга рўпара қилдилар. 34 Ҳоким мактубни ўқиб бўлиб, Павлусдан: “Сен қайси вилоятдансан?” деб сўради. Павлуснинг Киликиядан эканини билгач, 35 ҳоким: “Айбловчилар келганларидан кейин, сени эшитаман”, деди. Шундан кейин ҳоким: “У Ҳироднинг саройида* ушлаб турилсин”, деб буйруқ берди.

24–БОБ

Павлусга қарши далиллар

1 Беш кун ўтгач, олий руҳоний Ханониё бир неча йўлбошчилар ва Тертуллус деган бир ҳуқуқшунос билан бирга Қайсарияга* келди. Улар Павлусга қарши арзларини ҳокимга* баён қилмоқчи бўлдилар. 2 Павлусни чақириб келтирганларидан кейин, Тертуллус уни айблай бошлади: 3 “Жаноби олийлари! Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида биз анчадан буён тинч–хотиржам яшаяпмиз, узоқни кўра билишингиз шарофати билан халқимиз учун ислоҳотлар амалга оширилди. Биз буни ҳамма жойда ва ҳар доим эътироф этамиз, сиздан чуқур миннатдормиз. 4 Мен сизнинг вақтингизни кўп олмоқчи эмасман, марҳаматингизни дариғ тутмай, бизнинг қисқа ахборотимизга қулоқ солишингизни илтимос қиламан. 5 Биз, аслида, бу одамни вабо сингари хавфли деб биламиз. У дунёдаги ҳамма яҳудийлар орасида исён бошлади. У насронийлар мазҳабининг* раҳнамосидир. 6-7 У ҳатто Маъбадни булғашга ҳаракат қилди. Шунинг учун биз уни ҳибсга олдик*. 8 Бу одамни ўзингиз сўроқ қилсангиз, биз уни нимада айблаётганимизни унинг ўзидан билиб оласиз.”

9 Яҳудийлар бу айбловларга қўшилиб, буларнинг ҳаммаси ҳақиқат, деб айтдилар.

Павлуснинг Феликс ҳузуридаги ҳимоя нутқи

10 Ҳоким, гапир, деб Павлусга ишора қилгандан кейин, у шундай жавоб берди: “Биламан, сиз анча йилдан бери бу халқ устидан ҳукмрон бўлиб келасиз. Шунинг учун ўзимни сизнинг ҳузурингизда ҳимоя қилаётганимдан хурсандман. 11 Ўзингиз билиб олишингиз мумкин: Худога сажда қилгани Қуддусга борганимга ўн икки кундан ошгани йўқ. 12 Мен Маъбадда бирон одам билан тортишиб қолганимни ёки синагогаларда, ё бўлмаса шаҳарда оломон орасига ғулғула солганимни улар кўрганлари йўқ. 13 Қолаверса, ҳозир менга қарши айтаётган айбловларини улар исботлаб бера олмайдилар. 14 Аммо шуни тан олишим керакки, улар Исонинг йўлини сохта эътиқод деб айтишади. Мен эса Исонинг йўли орқали ота–боболаримизнинг Худосига сажда қиламан. Тавротга мос келган ва Пайғамбарлар битикларида* ёзилган ҳар бир сўзга мен ишонаман. 15 Мен мана шу одамлар сингари, Худога умид боғлаганман. Худо солиҳларни ва фосиқларни тирилтиришига мен ҳам улардай ишонаман. 16 Айни шу сабабдан Худо ва халқ олдида мен доим виждонимни соф сақлашга тиришаман.

17 Мана, Қуддусда бўлмаганимга бир неча йил бўлди, энди халқимга хайр–садақа бериш ва назр қилиш учун Қуддусга боргандим. 18 Мен шуларни бажараётганимда, улар мени Маъбадда кўриб қолдилар. Мен покланиш маросимини адо этаётган эдим, ёнимда оломон йўқ эди, шовқин–сурон ҳам кўтармаган эдим. 19 Асия вилоятидан бўлган бир неча яҳудийлар ўша ерда эдилар. Агар уларнинг менга қарши бирон даъволари бўлса, улар ўзлари сизнинг ҳузурингизга келиб, ўз айбловларини билдиришлари керак. 20 Ёки бу ердагилар айтишсин, мен Олий кенгаш аъзолари олдида турганимда менда қандай жиноят

топдилар экан? 21 Мен уларнинг олдида турганимда, баланд овозда: «Мен ўликлар тирилади, деб айтганим учун бугун олдингизда ҳукм қилиняпман», деб айтган эдим. Бундан бошқа нима айбим бор?”

22 Исонинг йўли тўғрисида батафсил хабардор бўлган Феликс йиғилишни тўхтатиб: “Мингбоши Лисияс келгандан кейин, сенинг ишинг тўғрисида қарор қабул қиламан”, деди. 23 Феликс юзбошига: “Уни қамаб қўй, аммо унга озгина эркинлик бер, унинг эҳтиёжлари учун хизмат қилмоқчи бўлган дўстларига ижозат бер”, деб буйруқ берди.

Павлус Феликс ва Друсилла ҳузурида

24 Бир неча кундан кейин Феликс хотини Друсилла билан келди. Друсилла яҳудий эди*. Феликс Павлусни чақиртириб келди ва Исо Масиҳга ишониш тўғрисидаги гапларини тинглади. 25 Павлус солиҳлик, нафсни тийиш, қиёмат кунининг келиши тўғрисида гапирар экан, Феликс қўрқиб, деди: “Сен энди боравер. Имкон топилган заҳоти, сени чақираман.” 26 Феликс: “Павлус менга пора беради”, деб умид қиларди, шунинг учун Павлусни тез–тез чақириб, у билан суҳбатлашарди.

27 Орадан икки йил ўтгач, Феликснинг ўрнига Пўркиюс Фестус ҳоким бўлди. Феликс яҳудийларнинг кўнглини олмоқчи бўлиб, Павлусни қамоқда қолдирди.

25–БОБ

Павлус ҳоким Фестус ҳузурида

1 Фестус Яҳудия вилоятига ҳоким бўлиб келгандан кейин уч кун ўтгач, Қайсариядан* Қуддусга борди. 2 У ерда бош руҳонийлар ва яҳудий йўлбошчилари Павлусга қарши далилларни ҳоким Фестусга баён қилдилар. Улар Фестусдан: 3 “Павлусни Қуддусга чақиртирсангиз”, деб илтимос қилдилар. Аслида улар йўлда Павлусга суиқасд қилишни режалаштирган эдилар. 4 Фестус уларга шундай жавоб берди:

— Павлус Қайсарияда қамоқда, мен ҳадемай ўша ерга қайтиб бораман. 5 Йўлбошчиларингиз мен билан бирга Қайсарияга борсин. Агар Павлус бирон ёмон иш қилган бўлса, майли, уни айбласинлар.

6 Фестус саккиз–ўн кунча улар билан бирга бўлиб, кейин Қайсарияга қайтди. Эртаси куни у ҳукм курсисига ўтириб: “Павлус олиб келинсин!” деб буюрди. 7 Павлус келгач, Қуддусдан келган яҳудийлар уни ўраб олдилар ва унга қарши жиддий айбловларни қўя бошладилар. Ўзлари эса бу айбларни исботлай олмасдилар. 8 Аммо Павлус ўзини ҳимоя қилиб, шундай деди:

— Мен яҳудийлар қонунига ёки Маъбадга, ё Қайсарга* қарши бирон нотўғри иш қилмадим.

9 Фестус эса яҳудийларнинг кўнглини олмоқчи бўлиб, Павлусдан сўради:

— Қуддусга бориб, ўша ерда менинг олдимда сенга қўйилган шу айблар бўйича ҳукм қилинишни истайсанми?

10 — Мен Қайсарнинг маҳкамасида турибман, мен шу ерда ҳукм қилинишим керак, — деди Павлус. — Мен яҳудийларга қарши бирон нотўғри иш қилмадим, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. 11 Агар мен қонунга хилоф бирон иш қилиб, ўлимга лойиқ бўлсам, ўлимдан қутулиш учун ҳаракат қилмайман. Агар бу одамларнинг менга қарши айбловлари ёлғон бўлса, ҳеч ким мени уларнинг қўлига топширишга ҳақли эмас. У ҳолда мен Қайсарнинг ҳукмини талаб қиламан*.

12 Фестус ўз маслаҳатчилари билан кенгашиб олгач, Павлусга:

— Сен Қайсарнинг ҳукмини талаб қилдинг, энди Қайсарнинг олдига борасан, — деди.

Павлус шоҳ Агриппа ва Верника ҳузурида

13 Бир неча кун ўтгандан кейин, шоҳ Агриппа билан Верника* Қайсарияга
Фестус ҳузурига ташриф буюрдилар. 14 Улар бир неча кун шу ерда турдилар.
Павлуснинг аҳволини Фестус шоҳга тушунтирди:

— Бу ерда бир одам бор, Феликс уни қамоқда қолдирган эди. 15 Қуддусда
бўлганимда бош руҳонийлар билан яҳудий йўлбошчилари ўша одам тўғрисида
менга ахборот бердилар ва “Уни ўлимга маҳкум қилинг”, деб мендан илтимос
қилдилар. 16 Мен уларга шундай деб айтдим: “Рим йўл–йўриқлари бўйича ҳеч ким
сўроқ қилинмасдан жазоланиш учун айбловчининг қўлига топширилмайди.
Айбланувчига айбловчилар билан юзма–юз учрашиб, ўзини ҳимоя қилиш
имконияти берилади.” 17 Бош руҳонийлар ва йўлбошчилар бу ерга келганларида,
мен вақтни бой бермай, эртаси куниёқ ҳукм курсисига ўтирдим–да, Павлусни
олиб келинглар, деб буюрдим. 18 Лекин Павлуснинг рақиблари уни мен кутган
жиноятларда айбламадилар. 19 Бунинг ўрнига улар ўзларининг дини тўғрисида,
ўлиб кетган қандайдир Исо тўғрисида Павлус билан баҳс қилдилар. Павлус, Исо
тирикдир, деб тасдиқлайверди. 20 Бу масалаларни қандай ҳал қилсам экан, деб
бошим қотиб қолди. Мен Павлусдан: “Қуддусга бориб, ўша ерда ўзингга қўйилган
айблар бўйича ҳукм қилинишни истайсанми?” деб сўрадим. 21 Аммо Павлус, мен
император жаноби олийлари қарор чиқармагунча қамоқда қоламан, деди.
Шунинг учун мен: “Павлусни Қайсарнинг ҳузурига жўнатгунимча, у қамоқда
сақлансин”, деб буйруқ бердим.

22 Агриппа Фестусга:

— Ўша одамнинг гапларини мен ўзим эшитишни хоҳлайман, — деди.

— Эртага унинг гапларини эшитасиз, — деб жавоб берди Фестус.

23 Эртаси куни Агриппа билан Верника дабдаба билан келиб, мингбошилар,
шаҳарнинг юқори мартабали одамлари билан бирга йиғин залига кирдилар.
Фестус: “Павлус олиб келинсин!” деб буйруқ берди.

24 — Шоҳ Агриппа жаноблари! Бу ерда ҳозир бўлганлар! — деди Фестус. —
Манави одамни кўриб турибсизлар. Шу ердаги ва Қуддусдаги ҳамма яҳудийлар бу
одамга қаршидир. Улар менга шикоят қилиб: “Бу одам яшашга лойиқ эмас!” деб
шовқин солмоқдалар. 25 Аммо менинг назаримда бу одам ўлимга лойиқ бирон иш
қилмаган. У император жаноби олийларининг ҳукмини талаб қилгани учун, уни
Римга юборишга қарор қилдим. 26 Аммо у тўғрида император жаноби олийларига
ёзишим учун аниқ бир нарса йўқ. Шунинг учун мен бу одамни сизларнинг
ҳузурингизга, хусусан, шоҳимиз Агриппа жаноби олийлари, сизнинг ҳузурингизга
олиб келдим. Бу масалани кўриб чиққанимиздан кейингина, мен бирон нарса
ёзишим мумкин. 27 Маҳбусга қарши айбловларни аниқ кўрсатмай туриб, уни
императорга юбориш мен томондан ақлсизлик бўлар эди.

26–БОБ

Павлус шоҳ Агриппа олдида ўзини оқлайди

1 Агриппа* Павлусга:

— Ўзингни ҳимоя қилиб гапиришинг мумкин, — деди. Шундан кейин Павлус
қўлини чўзиб, ўзини ҳимоя қилиб гапира бошлади: 2 “Шоҳ Агриппа жаноби
олийлари! Бугун мана бу яҳудийлар менга қўяётган айблардан ўзимни сизнинг
ҳузурингизда ҳимоя қилаётганим учун бахтиёрман. 3 Ахир, яҳудийларнинг

одатлари ва баҳсларини сиз жуда яхши биласиз. Сиздан илтимос, марҳамат қилиб менинг гапимни эшитсангиз.

4 Ёшлигимдан босиб ўтган ҳаёт йўлимни — Қуддусда, ўз халқим орасида
кечирган ҳаётимни ҳамма яҳудийлар биладилар. 5 Агар улар гувоҳлик беришни
истасалар, динимизнинг энг ашаддий мазҳаби фарзийларга мансуб бўлганимни
улар азалдан биладилар. 6 Энди эса, Худонинг ота–боболаримизга берган
ваъдасига умид қилганим* учун ҳукм қилиняпман. 7 Ваҳоланки, халқимизнинг ўн
икки қабиласи* кечаю кундуз Худога чин дилдан сажда қилиб, шу ваъда бажо
бўлишига умид қиляптилар. Жаноби олийлари, мен ҳам айнан шундай умид
қилганим учун яҳудийлар мени айблаяптилар. 8 Эй шу ерда турганлар! Нима учун
Худо ўликларни тирилтиришига ишониб бўлмайди, деб ўйлайсизлар?

9 Мен ўзимча, Носиралик Исонинг номига қарши ҳар нарсани қилишим керак,
деб ўйлагандим. 10 Мен буни Қуддусда қилдим ҳам. Бош руҳонийлардан ваколат
олиб, Худонинг азизларидан кўпчилигини қамоққа ташладим. Улар ўлимга ҳукм
қилинганларида, мен буни маъқуллаб турардим. 11 Мен тез–тез бир синагогадан
иккинчисига бориб, уларни жазолардим, имонларидан қайтаришга ҳаракат
қилардим. Мен уларга нисбатан шунчалик шафқатсиз эдимки, ҳатто бегона
шаҳарларда ҳам уларни қувғин қилгани борардим.

12 Бир куни шу мақсадда бош руҳонийлардан ваколат олиб, Дамашққа бир
топшириқ билан кетаётган эдим. 13 Жаноби олийлари! Мен куппа–кундузи йўлда
кетаётганимда, бирдан осмонда қуёшдан ҳам ёруғ нурни кўрдим. Нур
шерикларим билан менинг ён–атрофимни ёритиб юборди. 14 Ҳаммамиз ерга
йиқилдик. Шунда орамий тилида* менга гапираётган бир овозни эшитдим:

— Шоул!* Шоул! Нимага Мени қувғин қиляпсан? Ҳўкиз ўз эгасининг таёғини
тепиб, ўзига зарар келтиргандай, сен ҳам Менга қарши чиқиб, ўзингга зарар
келтиряпсан.

15 — Ҳазратим! Сиз кимсиз? — деб сўрадим мен.

— Сен қувғин қилаётган Исоман, — деб жавоб берди Раббий. 16 — Энди
ўрнингдан тур, Шоул. Сени Ўз хизматкорим қилиб тайинлаш мақсадида сенга
зоҳир бўлдим. Сен Мени кўрганингни бошқаларга айтасан, сенга
кўрсатадиганларим тўғрисида гувоҳлик берасан. 17 Мен сени ўз халқинг қўлидан
қутқараман. Сени ғайрияҳудийлар орасига юбориб, уларнинг қўлидан ҳам халос
этаман. 18 Сен ғайрияҳудийларнинг кўзларини очасан, уларни зулматдан
ёруғликка, шайтоннинг ҳукмронлигидан Худонинг ҳукмронлигига қайтарасан.
Менга имон келтириш орқали уларнинг гуноҳлари кечирилиб, улар Худонинг
танланган халқи орасидан жой оладилар.

19 Шундай қилиб, шоҳ Агриппа жаноблари, самодан менга келган ваҳийга
итоатсизлик қилмадим. 20 Аввало, Дамашқда ва Қуддусда, кейин бутун Яҳудияда,
шунингдек, ғайрияҳудийлар орасида: «Гуноҳларингиз учун тавба қилинглар,
Худога юз буринглар, тавба қилганингизни кўрсатадиган ишлар қилинглар», деб
ваъз қилдим. 21 Шу сабабдан яҳудийлар мени Маъбадда тутиб олиб, ўлдирмоқчи
бўлдилар. 22 Аммо шу кунгача Худо менга мадад берди. Мен ҳаммага — каттаю
кичикка бирдай гувоҳлик бериб келдим. Мен уларга фақат пайғамбарларнинг ва
Мусонинг айтганларини* гапирган эдим. 23 Масиҳ Ўз халқига ва
ғайрияҳудийларга нур олиб келиш учун азоб чекиши ва биринчи бўлиб ўликдан
тирилиши керак, деб айтдим, холос.”

24 Павлус шу тариқа ўзини ҳимоя қилар экан, Фестус унга бақириб деди:

— Сен телба бўлиб қолибсан, Павлус! Кўп билганинг сени ақлдан оздиряпти!

25 Павлус эса шундай деди:

— Мен ақлдан озганим йўқ, Фестус жаноби олийлари! Мен жиддий ҳақиқатни гапиряпман. 26 Шоҳ бу нарсалар тўғрисида билгани учун, мен унга бемалол гапирмоқдаман. Бу нарсаларнинг ҳар бири унинг эътиборидан четда қолмаганига имоним комил. Чунки булар яширин қилинган эмас. 27 Шоҳ Агриппа жаноблари! Сиз пайғамбарларнинг башоратларига ишонасизми? Биламан, ишонасиз.

28 Агриппа Павлусга:

— Сен дарров мени масиҳий бўлишга кўндирмоқчисан–а, — деди. 29 Павлус шундай жавоб берди:

— Дарров бўладими ёки узоқ вақтдан кейин бўладими, нафақат сиз, балки менинг гапларимни эшитаётганларнинг ҳаммаси мен сингари бўлсин деб, Худога ибодат қиламан. Аммо мана бу кишанларни сизларга раво кўрмайман.

30 Шундан кейин шоҳ Агриппа, ҳоким Фестус, Верника ва бошқалар ўринларидан турдилар. 31 Улар кетаётиб, бир–бирларига: “Бу одам ўлимга ёки зиндонга ташланишга лойиқ бирон иш қилмаган”, деб айтдилар. 32 Агриппа Фестусга:

— Агар бу одам Қайсарнинг* ҳукмини талаб қилмаганда эди, уни озод қилиш мумкин эди, — деди*.

27–БОБ

Павлуснинг денгиз орқали Римга сафари

1 Бизни* денгиз орқали Италияга* жўнатишга қарор қилдилар. Шундан кейин улар Павлусни ва бошқа баъзи маҳбусларни Империя қўшинидаги Юлиюс деган Рим юзбошисига топширдилар. 2 Ҳаммамиз Адрамиттион шаҳридан келган кемага ўтирдик. Кема Асия вилоятининг бандаргоҳларига* энди жўнамоқчи бўлиб турган экан. Биз йўлга тушдик. Салоникадан келган Македониялик Аристархус деган одам бизга ҳамроҳ бўлди. 3 Эртаси куни биз Сидон шаҳрига етиб келдик. Юлиюс Павлусга яхши муносабатда бўлди, шунинг учун дўстлари олдига боришга ва керакли нарсаларни олишга ижозат берди. 4 Биз у ердан жўнаб кетдик. Шамол бизга қарши томондан эсаётгани учун Кипр оролини паналаб сузиб ўтдик. 5 Сўнг Киликия ва Памфилия вилоятларининг жануб томонидан сузиб, Ликия вилоятидаги Мура шаҳрига келдик. 6 Юзбоши у ерда Искандариядан Италияга сузиб кетадиган кемани топди ва бизни унга ўтқазди. 7 Биз бир неча кун секин сузиб, ниҳоят қийинчиликлар билан Книдус шаҳрига етиб келдик. Шамол бизга қарши эсаётгани учун Салмона ярим оролининг ёнидан ўтиб, Крит оролини паналаб суза бошладик. 8 Оролнинг қирғоғи бўйлаб машаққатлар билан Гўзал бандаргоҳлар деган жойга етиб келдик. Бу жой Ласея шаҳри яқинида жойлашган.

9 Биз анча вақт ўша ерда қолдик. Ҳатто Покланиш куни* ҳам ўтди, сузиш хавфли бўлиб қолди. Павлус кемачиларга маслаҳат берди:

10 — Дўстлар! Кўриб турибман, бу ердан сузиб кетадиган бўлсак, нафақат юкимиз ва кемамиз, балки жонимиз ҳам хавф остида қолади, оғир ҳалокатга учраймиз.

11 Лекин юзбоши Павлуснинг маслаҳатига қулоқ солмай, кема дарғаси ва кема эгасининг гапига кирди. 12 Қишни ўтказиш учун бандаргоҳ яхши шароитга эга эмас эди. Шунинг учун деярли ҳамма у ердан денгизга чиқишга, қандай қилиб бўлса ҳам Финиксга етиб олиб, қишни ўша ерда ўтказишга рози эди. Финикс Крит оролидаги бандаргоҳ бўлиб, қаттиқ қиш шамолларидан панада эди*.

Денгиздаги бўрон

13 Жанубдан майин шабада эса бошлаганда, улар: “Ниятимиз амалга ошадиган
бўлди”, деб ўйладилар. Шунинг учун улар лангарни кўтариб, Крит ороли бўйлаб,
қирғоққа яқин суза бошладилар. 14 Аммо кўп ўтмай орол томондан ниҳоятда
кучли бўрон кўтарилди. Бу “Шимоли–шарқ” бўрони деб айтиларди. 15 Бўрон
кемага шундай урилдики, натижада кема шамолга қарши сузолмай қолди.
Шундан кейин ўзимизни тўлқинларга топшириб, шамол йўналиши бўйлаб сузиб
кетдик. 16 Биз Кавда* деган оролчани паналаб ўтдик. Кеманинг қайиқчасини
зўрға ушлаб қолдик. 17 Денгизчилар қайиқни юқорига кўтариб олдилар. Кейин
эса кема парчаланиб кетмасин деб, уни остидан арқонлар билан маҳкам
боғладилар. Улар: “Суртис* атрофларида қумга ўтириб қолмасак эди”, деб қўрқиб,
тезликни камайтирадиган лангарни* туширдилар ва кемани шамол йўналишига
қўйиб бердилар. 18 Қутурган бўрон давом этарди. Эртаси куни улар кемадан
юкларни улоқтира бошладилар. 19 Учинчи куни эса ўз қўллари билан кеманинг
асбоб–ускуналарини денгизга отдилар. 20 Бир неча кун биз на қуёшни, на
юлдузларни кўрдик. Бўрон қутургани сари, қутулишимизга бўлган умид сўниб
борарди.

21 Ҳеч ким узоқ вақт бирон нарса тановул қилмади. Шунда Павлус уларнинг
ўртасига чиқиб, шундай деди:

— Дўстлар! Агар менинг гапларимга қулоқ солиб, Кипрдан
кетмаганларингизда эди, биз мана шу зарарга ва оғир ҳалокатларга дучор
бўлмасдик. 22 Энди сизларга маслаҳатим шу: дадил бўлинглар! Орамиздан ҳеч ким
нобуд бўлмайди, фақат кемадан маҳрум бўламиз, холос. 23 Мен мансуб бўлган ва
мен сажда қиладиган Худойим ўтган куни олдимга Ўз фариштасини юборди.
24 Фаришта менга шундай деди: “Қўрқма, Павлус, сен Қайсар* ҳузурида бўлишинг
керак. Сен билан бирга кемада сузиб кетаётганларга Худо ҳаёт бағишлади.”
25 Шунинг учун, дўстлар, дадил бўлинглар, чунки Худога ишонаман: ҳаммаси
менга айтилганидай бўлади. 26 Биз бирон оролга албатта тушамиз.

27 Ўн тўртинчи куни кечаси биз Ўрта ер денгизида* шамол йўналиши бўйлаб
сузаётган эдик. Тахминан тун ярмида денгизчилар қуруқликка яқинлашиб
қолганимизни пайқаб қолдилар. 28 Улар чуқурликни ўлчаган эдилар, 20 қулоч
чиқди. Бир оз нарироқни ўлчаган эдилар, 15 қулоч* чиқди. 29 Улар: “Кема
қояларга бориб урилади”, деб қўрқиб кетганлари учун кеманинг ортидан тўртта
лангарни туширдилар ва тезроқ тонг отсин, деб Худога астойдил илтижо
қилдилар. 30 Шу орада денгизчиларнинг баъзилари кемадан қочиб чиқишга
уриндилар. Улар қайиқни сувга тушириб, ўзларини худди кеманинг олд
томонидан лангар туширмоқчи бўлгандай кўрсатдилар. 31 Павлус юзбоши билан
аскарларга шундай деди:

— Бу одамлар кемада қолмас эканлар, билиб қўйинглар, сизлар ҳам
ўзларингизни қутқара олмайсизлар.

32 Аскарлар қайиқ боғланган арқонни кесдилар ва қайиқни сувга тушириб
юбордилар. 33 Тонг отиши билан, Павлус улардан тамадди қилиб олишларини
илтимос қилди:

— Бугун ўн тўрт кундирки, сизлар хавотирликда бўлиб, ҳеч нарса
емадингизлар. 34 Ёлвораман: бир оз тамадди қилиб олинглар, бу тирик
қолишингиз учун керак. Бошингиздан бирон тола соч ҳам тушмайди.

35 Павлус шу сўзларни айтиб бўлгач, нонни олди ва ҳамманинг кўз ўнгида
Худога шукрона айтди. Сўнгра нонни синдириб, ея бошлади. 36 Бошқалар ҳам
дадилланиб, овқатлана бошладилар. 37 Кемада жами 276 киши бор эди. 38 Улар

тўйиб олгач, буғдойнинг ҳаммасини денгизга ташлаб, кемани енгиллаштирдилар.

Кема ҳалокатга учрайди

39 Тонг отганда, денгизчилар қирғоқни таний олмадилар. Аммо қирғоқдаги
қумли қўлтиқни пайқадилар. Агар имкони бўлса, кемани ўша ерда қирғоққа
тўхтатамиз, деб қарор қилдилар. 40 Сўнг лангарларни кесиб, денгизга тушириб
юбордилар. Айни пайтда эшкакларни маҳкам боғлаб турган арқонларни ечдилар.
Шундан кейин олдинги елканни шамолга қаратиб, қирғоққа сузиб кетдилар.
41 Лекин кема саёз жойга урилиб, қумга ўтириб қолди. Оқибатда кеманинг олд
қисми қумга тиқилиб, қимирламай қолди. Кеманинг орқа қисми эса тўлқинлар
шиддатидан парча–парча бўлиб кетди.
42 Шунда аскарлар: “Маҳбуслар сузиб, қутулиб кетмасин”, дея уларни
ўлдирмоқчи бўлдилар. 43 Аммо юзбоши Павлусни қутқармоқчи бўлиб, аскарларни
бу ниятларидан қайтарди. Уларга шундай буйруқ берди: “Сузишни биладиганлар
биринчи бўлиб кемадан сакрасин ва қирғоққа сузиб борсин, 44 қолганлар эса
тахталарни ёки кеманинг бирон синиқ бўлагини олиб, уларнинг ортидан
эргашсинлар.” Шу йўсин ҳаммалари эсон–омон қирғоққа етиб олдилар.

28–БОБ

Мальта оролида

1 Биз* қирғоққа эсон–омон етиб борганимиздан кейин, билдикки, бу оролнинг
номи Мальта экан. 2 Ерли аҳоли бизга ғоят дўстона муносабатда бўлди. Ёмғир
ёғаётгани ва совуқ бўлгани учун улар олов ёқиб, ҳаммамизни олов атрофига
таклиф қилдилар. 3 Павлус шох–шабба йиғиб келиб, олов устига ташлаётганда,
бир заҳарли илон иссиқдан қочиб, унинг қўлига осилиб қолди. 4 Ерли аҳоли
Павлуснинг қўлига осилиб қолган илонни кўриб бир–бирларига: “Бу одам қотил
бўлса керак, у денгиздан қутулса ҳам, Қасос худоси унга яшашга имкон бермади”,
дедилар. 5 Аммо Павлус илонни олов ичига силкитиб отди, ўзи эса ҳеч қандай
зарар кўрмади. 6 Аҳоли, ҳозир бу одам шишиб кетади ёки бирдан йиқилиб ўлади,
деб кутарди. Улар узоқ кутдилар, лекин ғайритабиий равишда унга ҳеч нарса
бўлмаганини кўрдилар. Энди одамлар фикрларини ўзгартириб: “У худо экан”, деб
айта бошладилар.
7 Ўша жойнинг яқинида бир дала бор эди, бу дала орол бошлиғи Публиюсга
тегишли экан. Публиюс бизни уйига олиб кетиб, уч кун меҳмон қилди. 8 Унинг
отаси ичбуруғдан иситмалаб, тўшакда ётарди. Павлус унинг хонасига бориб,
ибодат қилди, унга қўлини қўйиб, шифо берди. 9 Шу воқеа юз бергандан кейин,
оролдаги ҳамма хаста одамлар Павлуснинг олдига келиб, шифо топдилар. 10 Улар
бизга кўп иззат–ҳурмат кўрсатдилар. Жўнаб кетаётганимизда эса сафаримиз учун
зарур озиқ–овқатларни кемага жойлаштирдилар.

Мальтадан Римга

11 Уч ойдан кейин Искандариядан келган кема билан денгизга чиқдик. Кема
“Эгизак худолар”* деб аталарди. У оролда қишлаб қолган эди. 12 Биз Суракуз
шаҳрига бориб, у ерда уч кун турдик. 13 У ердан сузиб кетиб, Региумга келдик.
Эртаси куни жанубдан шамол эса бошлади. Иккинчи кун Путеол шаҳрига етиб
келдик. 14 У ерда бир неча имонлилар билан учрашдик. Улар: “Биз билан
қолинглар”, деб илтимос қилдилар.
Бир ҳафтадан кейин биз Римга кетдик. 15 Римдаги имонлилар биз тўғримизда

эшитиб, бизни кутиб олгани йўлга чиқишди. Баъзилари билан Аппиюс бозорида кўришдик, бошқа бирлари билан эса Уч меҳмонхона* деган жойда учрашдик. Павлус уларни кўриб, Худога шукур айтди ва янада дадиллашди. 16 Биз Римга келганимиздан кейин, Павлусга* бир аскар кузатувида ёлғиз яшашга рухсат берилди.

Павлуснинг Римдаги фаолияти

17 Павлус уч кундан кейин маҳаллий яҳудийларнинг йўлбошчиларини чақирди. Улар йиғилишгач, Павлус деди:

— Биродарлар! Мен халқимизга ёки ота–боболаримиз одатларига қарши бирон нарса қилмаган бўлсам ҳам, мени Қуддусда қамаб, Рим амалдорларининг қўлига топширишди. 18 Улар мени текшириб кўрганларидан кейин, мени озод қилмоқчи бўлдилар, чунки ўлимга лойиқ бирон иш қилмаган эдим. 19 Аммо яҳудийлар қаршилик қилганларидан кейин, мен Қайсарнинг* ҳукмини талаб қилишга мажбур бўлдим. Мен бу билан ўз халқимни айбламоқчи эмасман. 20 Шу сабабдан мен сизлар билан кўришиб, суҳбатлашишни истадим. Аслини олганда, мен Исроилнинг умиди* учун занжирбанд қилинганман.

21 Улар Павлусга дедилар:

— Сиз тўғрингизда Яҳудиядан бирон та хат олмадик, бу ерга ташриф буюрган биродарларимиздан бирортаси ҳам сиз тўғрингизда бирон хабар ёки ҳеч қандай ёмон гап айтмади. 22 Аммо фикрингизни ўзингиздан эшитишни истардик, чунки бу мазҳабга* нисбатан ҳар ерда қарши гапириб юрганларини биз биламиз.

23 Улар Павлус билан бир кунни келишиб олдилар. Ўша куни улар Павлус турган жойга бир талай одамни бошлаб келдилар. Павлус эрталабдан кечгача уларга Худонинг Шоҳлиги тўғрисида тушунтирди. Шунингдек, Мусонинг Таврот китобидан ва Пайғамбарлар битикларидан* Исо тўғрисида ишончли далиллар келтирди. 24 Улардан баъзилари Павлуснинг айтганларига ишондилар, бошқалари эса умуман ишонмадилар. 25 Шундай қилиб, улар ўзаро баҳслашдилар. Улар кетмоқчи бўлиб турганларида Павлус шундай деди: “Муқаддас Руҳ Ишаё пайғамбар орқали ота–боболарингизга ушбу гапни тўғри айтган экан:

> 26 «Бор, мана шу халққа айт:
> ‘Сизлар тинглаб турасиз–у, лекин ҳеч тушунмайсиз,
> Қараб турасиз–у, аммо ҳеч англаб етмайсиз.’
> 27 Зеро, бу халқнинг ақли ўтмас бўлиб қолди,
> Қулоқлари гаранг бўлди,
> Кўзларини юмиб олишди.
> Акс ҳолда, кўзлари кўрган бўларди,
> Акс ҳолда, қулоқлари эшитган бўларди,
> Ақллари англаган бўларди,
> Яна Менга қайтган бўлишарди,
> Мен уларга шифо берган бўлардим.»*

28-29 Сизларга шу маълум бўлсинки, Худонинг нажоти ғайрияҳудийларга юборилган. Улар қулоқ соладилар*.”

30 Павлус ижарага олган уйида икки йил яшади ва уни кўргани келган ҳаммани қабул қилди. 31 У жасорат билан Худонинг Шоҳлиги ҳақида ваъз айтиб, Раббимиз Исо Масиҳ тўғрисида таълим берди. Ҳеч ким унга буни тақиқлашга уринмади.

ИЗОҲЛАР

жамоат — Исо Масиҳга ишонган одамлар назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЖАМОАТ сўзига қаранг.

1:1-2 *Эй Теофилус, биринчи китобимда…* — яъни Луқо баён этган муқаддас Хушхабарда. Мазкур китоб ҳамда Луқо баён этган муқаддас Хушхабар Теофилус учун ёзилган (Луқо 1:1 га қаранг). Теофилус юқори лавозим эгаси бўлиб, Хушхабар таълимотидан бохабар эди. У ҳақда бундан бошқа ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган.

1:3 *Худонинг Шоҳлиги* — Худонинг ҳозирги пайтда инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлиги ва охиратда ҳар бир яратилган мавжудотнинг янгиланишига ишора. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

1:4 *осмондаги Отам* — Худога ишора. Исо кўпинча Ота унвонини Худога нисбатан ишлатган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

1:4 *осмондаги Отамнинг берган ваъдаси* — 2:33 га ва Луқо 24:49 га қаранг.

1:5 *Яҳё одамларни сувга чўмдирар эди…* — Луқо 3:1-18 га қаранг.

1:12 *Зайтун деб аталган тоғ* — Қуддус шаҳрининг шарқий девори бўйлаб ўтган Қидрон сойлигининг нариги томонидаги тепалик.

1:12 *тахминан бир чақирим масофа* — юнонча матнда *Шаббат куни масофаси*, тахминан 1 километрга тўғри келади. Ўша даврда яҳудийларнинг Шаббат куни ҳақидаги қонунни шарҳлашлари бўйича, Шаббат кунида фақатгина яқин бир жойга юриш мумкин эди.

1:13 *ватанпарвар* — бу ном Шимўннинг Рим империясига қаршилик кўрсатган авом халқ ҳаракатининг аъзоси эканига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Ушбу ҳаракат аъзолари сиёсий, иқтисодий ва диний мақсадларни кўзлаган эдилар.

1:16-17 *Яҳудо* — Луқо 22:1-6, 47-48 га қаранг.

1:19 *Хақалдамах* — орамийча сўз.

1:20 Забур 68:26 га қаранг.

1:20 Забур 108:8 га қаранг.

1:26 *қуръа* — қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

2:1 *Ҳосил байрами* — Исо Ўз шогирдлари билан охирги марта Фисиҳ таомини баҳам кўргандан сўнг (Луқо 22:7-8 га қаранг), 50 кун ўтгач Ҳосил байрами нишонланган эди (Левилар 23:15-16 га қаранг).

2:10 *…яҳудий динига кирган…* — яҳудий динига кириб, диннинг ҳамма қонун–қоидалари ва урф–одатларини бажарадиган ғайрияҳудийлар. Яҳудий динига кирганлар суннат қилинардилар. Бундай ғайрияҳудийлар яҳудийлар томонидан ғайрияҳудий деб ҳисобланмасдилар.

2:15 *соат тўққиз* — юнонча матнда *учинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

2:17 *Охирги кунлар* — Исо Масиҳ тирилганидан кейинги даврга ишора. Яна

1 Юҳанно 2:18, Ибронийлар 1:2, 9:26 га қаранг.

2:17-21 Йўэл 2:28-32 га қаранг.

2:27 *ўликлар диёри* — яҳудийлар бу жойни, ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой, деб тушунарди.

2:27 *Тақводоринг* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Муқаддас бўлганинг*.

2:25-28 Забур 15:8-11 га қаранг.

2:30 *Ўз наслингдан бўлган биттасини тахтингга ўтқазаман* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ўз наслингдан бўлган биттасини — Масиҳни тирилтириб, тахтингга ўтқазаман*.

2:30 *онт* — 2 Шоҳлар 7:12-16, Забур 131:11 га қаранг.

2:31 *...Довуд башорат қилганди* — шу бобнинг 27–оятига қаранг.

2:33 *тахтининг ўнг томони* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

2:34-35 Забур 109:1 га ва ўша оятнинг биринчи изоҳига қаранг.

2:36 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг.

2:42 *Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдириш* — бу иборанинг маъноси қуйидагича: имонлилар Исонинг ўлимини хотирлаш мақсадида якшанба куни кечки пайт (20:7 га қаранг) бирга йиғилиб таом тановул қилишарди.

3:1 *соат уч* — юнонча матнда *тўққизинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

3:11 *Сулаймон айвони* — олди очиқ, кенг жой. Бу айвон Маъбад ҳовлисининг шарқий девори бўйлаб қурилган бўлиши мумкин. Унинг қатор баланд устунлари бўлган. Шоҳ Ҳирод қурдирган бу Маъбаднинг лойиҳаси ва расми луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган.

3:13 *Ўзининг Қули* — қул сўзи бу ўринда Масиҳнинг унвони (Ишаё 42:1-4, 52:13-53:12 га қаранг). Бу сўз юнончада *фарзанд* деган маънони ҳам билдиради.

3:13 *Пилат* — Рим ҳукумати томонидан Яҳудия вилоятига тайинланган ҳоким. У Исони ўлимга маҳкум қилган эди (Луқо 23:1-25 га қаранг).

3:22-23 Қонунлар 18:15, 19 га қаранг.

3:25 *зурриётинг* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз, Ибтидо китобидаги ибронийча сўз сингари, Иброҳимнинг бутун авлодига ёки авлодидан келиб чиқадиган зурриётининг бирига ишора қилиши мумкин. Бу ўринда Бутрус Иброҳимнинг зурриёти бўлган Исо Масиҳга ишора қиляпти.

3:25 Ибтидо 22:18, 26:4 га қаранг.

3:26 *Ўз Қули* — шу бобнинг 13–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

4:1 *руҳоний* — Қуддусдаги Маъбадда хизмат қиладиган эътиборли дин раҳнамоси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

4:1 *Маъбад миршаббошиси* — Маъбадни қўриқлаш ва у ерда тартиб сақлаш учун

масъул бўлган яҳудий ҳарбийси.

4:1 *саддуқий* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлардан фарқли равишда, улар оғзаки тарқалган урф–одатларни қабул қилмасдилар, балки фақатгина Тавротда ёзилган қонун–қоидаларга риоя қилардилар. Улар ўликларнинг тирилишига ҳам ишонмас эдилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САДДУҚИЙ сўзига қаранг.

4:5 *бош руҳонийлар* — жамиятнинг бошқа эътиборли одамлари қаторида Олий кенгаш аъзолари эдилар. Олий кенгаш яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БОШ РУҲОНИЙЛАР иборасига қаранг.

4:5 *Таврот тафсирчилари* — Мусонинг қонунини жуда яхши билган зиёли одамлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ТАВРОТ ТАФСИРЧИСИ иборасига қаранг.

4:6 *Олий руҳоний Ханан* — Ханан милодий 6-15 йилларда олий руҳоний бўлиб хизмат қилган. Рим ҳукумати уни бу лавозимдан четлатгандан кейин унинг ўрнини куёви Каяфас эгаллаб, милодий 18-37 йилларда олий руҳоний бўлиб хизмат қилди. Ханан ўз вазифасидан четлатилганига қарамай, халқ уни ҳамон олий руҳоний деб биларди, у яҳудийлар жамиятида юксак эътибор ва нуфузга эга эди (Луқо 3:2 га қаранг).

4:11 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

4:11 Забур 117:22 га қаранг.

4:13 *Кенгаш* — яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОЛИЙ КЕНГАШ иборасига қаранг.

4:25-26 Муаллиф бу ўринда Забур 2:1-2 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

4:27 *Ҳирод* — Антипас исми билан ҳам танилган бўлиб, Буюк Ҳироднинг ўғли эди. Антипас Жалила ва Перея ҳудудларида ҳукмронлик қилган.

4:27 *Пўнтий Пилат* — 3:13 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

4:27 *Қулинг* — қул сўзи бу ўринда Масиҳнинг унвони (Ишаё 42:1-4, 52:13-53:12 га қаранг). Бу сўз юнончада *фарзанд* деган маънони ҳам билдиради.

4:27 *...Исога қарши тўпландилар* — Луқо 23:1-25 га қаранг.

4:30 *Қулинг* — шу бобнинг 27–оятига берилган учинчи изоҳга қаранг.

5:11 *жамоат* — Исо Масиҳга ишонган одамлар назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЖАМОАТ сўзига қаранг.

5:12 *Сулаймон айвони* — 3:11 изоҳига қаранг.

5:24 *Маъбад миршаббошиси* — 4:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

5:30 *ёғоч* — Бутрус хочга ишора қилиб, Қонунлар 21:23 даги *ёғочга қоқилган одам Худо томонидан лаънатлангандир* деган гапни тингловчиларига эслатмоқчи бўлган.

5:31 *...Ўзининг ўнг томонига ўтқазди* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

5:34 *фарзийлар* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга ҳамда покланиш удумларига изчил амал қилардилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАРЗИЙ сўзига қаранг.

6:1 *орамийзабон* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз иброний тилини ёки орамий тилини билдириши мумкин. Ўша пайтда қадимги Фаластинда яшаган яҳудийлар одатда орамий тилида гаплашар эдилар.

6:5 *...яҳудий динига кирган...* — 2:10 изоҳига қаранг.

6:8 *Стефан Худонинг марҳаматига ва илоҳий қудратга тўлган эди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Стефан имони комил ва илоҳий қудратга тўлган эди*.

7:2 *...Хорон...Месопотамия...* — Хорон ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқида жойлашган шаҳар эди. Месопотамия эса Дажла ва Фурот дарёлари орасида жойлашган ҳудуд эди.

7:3 Ибтидо 12:1 га қаранг.

7:4 *Халдейлар юрти* — ҳозирги Ироқнинг жанубида, Форс қўлтиғининг шимолидаги ерлар эди. Иброҳим Ур шаҳридан бўлиб, Ур Хорон шаҳридан қарийб 900 километр жануби–шарқда жойлашган.

7:6-7 Ибтидо 15:13-14, Чиқиш 3:12 га қаранг.

7:8 *суннат аҳди* — Ибтидо 17:1-14 га қаранг.

7:14 *етмиш беш* — бу сон Ибтидо 46:27 нинг ва Чиқиш 1:5 нинг қадимий юнонча таржимасидан олинган. Ибронийча матнда бу сон “етмиш” деб ёзилган. Ибтидо 46:20 нинг қадимий юнонча таржимасида матнга бешта исм қўшилган (Эфрайим ва Манашенинг ўғиллари ва набиралари), бу исмлар ибронийча матнда йўқ.

7:26-28 Чиқиш 2:13-14 га қаранг.

7:29 *Мидиён юрти* — айнан қаерда жойлашгани маълум эмас. Бу юрт Мисрдан шарқда, Синай ярим оролида ё Ўлик денгизнинг жанубидаги ерларда ёки ҳозирги Ақаба қўлтиғининг шарқ томонида жойлашган бўлиши мумкин.

7:30 *бир фаришта* — Эгамизнинг фариштаси назарда тутилган (Чиқиш 3:2 га қаранг), баъзан шу йўл билан Худонинг Ўзи зоҳир бўлишига ишора қилинади. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭГАМИЗНИНГ ФАРИШТАСИ иборасига қаранг.

7:30 *...бута алангаси ичида унга бир фаришта зоҳир бўлди* — Чиқиш 3:1-10 га қаранг.

7:37 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар Мусонинг гапига қўшимча қилинган: *унга қулоқ солинглар*.

7:37 Қонунлар 18:15 га қаранг.

7:40 Чиқиш 32:1 га қаранг.

7:43 *Мўлах ва Райфон* — Мўлах Оммон халқи сажда қилган худо эди, Райфон эса Мисрликлар сажда қилган Сатурн сайёра худоси эди.

7:42-43 Стефан бу ўринда Амос 5:25-27 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган. Амос пайғамбар Исроил, яъни шимолий шоҳлик аҳолисининг милоддан олдинги 722 йилда Оссурияга сургун бўлганига ишора қилган. Мазкур оятларда эса Стефан Дамашқ шаҳри ўрнига (Амос 5:26-27 га қаранг) Бобил

номини ишлатади. Шу йўсинда у Яҳудо, яъни жанубий шоҳлик аҳолисининг милоддан олдинги 586 йилда Бобилга сургун бўлганига ишора қилади. Шу орқали Стефан Қуддус ва Яҳудода яшаётган замондошларига ота–боболари Худога садоқатсизлик қилганини эслатяпти.

7:44 *Муқаддас аҳд чодири* — юнонча матнда *Гувоҳлик чодири*, Муқаддас чодирнинг яна бир номи. Юнонча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Бу тош лавҳалар Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг далили, яъни тошга битилган гувоҳлик бўлиб хизмат қиларди. Мусо даврида бу икки тош лавҳа Муқаддас чодирдаги Аҳд сандиғининг ичида сақланарди (Чиқиш 40:20 га қаранг).

7:46 *…Ёқубнинг Худосига маскан…* — баъзи юнон қўлёзмаларидан. Юнонча матнда *…Ёқубнинг хонадонига маскан…*, бу ўринда мазкур ибора *Ёқубнинг авлоди Худога сажда қиладиган Маъбад* деган маънони билдиради.

7:50 Ишаё 66:1-2 га қаранг.

7:51 *Эй юраклари, қулоқлари суннат қилинмаганлар!* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади. Бу оятдаги “юраклари, қулоқлари суннат қилинмаганлар” ибораси кўчма маънода ишлатилиб, тузилган аҳднинг ташқи белгиси бўлган жисмоний суннат етарли эмаслигини кўрсатади. Стефан бу сўзлари билан ўша яҳудий йўлбошчилари ҳам ўз ота–боболари сингари, Худога садоқатсиз ва итоатсиз эканига урғу беряпти.

7:52 *Солиҳ Зот* — Исо Масиҳга ишора.

7:53 *ўша қонун сизларга фаришталар орқали берилгани* — Қонунлар 33:2-4, Галатияликлар 3:19, Ибронийлар 2:2 га қаранг.

7:55 *ўнг томони* — ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

7:56 *Инсон Ўғли* — Исо Масиҳ кўпинча Ўзига нисбатан ишлатган унвон. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИНСОН ЎҒЛИ иборасига қаранг.

7:58 *Шоул* — Павлус исми билан танилган, у кейинчалик ҳаворий бўлган (13:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

8:1 *Шоул* — Павлус исми билан танилган, у кейинчалик ҳаворий бўлган (13:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

8:5 *Филип* — 6:1-6 га қаранг.

8:5 *Самариянинг бош шаҳри* — юнонча матнда *Самариянинг шаҳри*. Ўша пайтда Самария шаҳарнинг эмас, балки бир ҳудуднинг номи бўлган. Муаллиф Самариядаги асосий бир шаҳарга, яъни Себастияга ишора қилаётган бўлиши мумкин.

8:14 *Самария аҳолиси* — яҳудийлар ва Самарияликлар узоқ вақт давомида бир–бирларига душман бўлиб келганлар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.

8:27 *Ҳабашистон маликаси* — юнонча матнда *Ҳабашистон маликаси Кандаки*. Фиръавн сўзига ўхшаб, Кандаки сўзи унвон бўлган, бу маликанинг исми эмас эди.

8:32-33 Муаллиф бу ўринда Ишаё 53:7-8 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

8:36-37 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 37–оятни

ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Филип унга деди: "Агар бутун қалбингиз билан ишонсангиз, бўлади." Амалдор деди: "Исо Масиҳ — Худонинг Ўғли деб ишонаман."*

8:39 *...Эгамизнинг Руҳи тўсатдан Филипни олиб кетди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Муқаддас Руҳ амалдорни қамраб олди ва Эгамизнинг бир фариштаси тўсатдан Филипни олиб кетди*.

8:40 *Азотус шаҳри* — Ашдод номи билан ҳам маълум. Бу шаҳар Филистияда, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди.

8:40 *Қайсария* — Азотусдан 80 чақирим масофада, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган шаҳар.

9:1 *Шоул* — Павлус исми билан танилган, у кейинчалик ҳаворий бўлган (13:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

9:5 *Ҳазратим!* — юнонча матнда *Куриос!*. Бу ўринда обрў–эътиборли инсонга нисбатан ишлатиладиган сўз сифатида қўлланган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ... сўзига қаранг.

9:5 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 5–оятнинг охирига ва 6–оятнинг бошига қўшимча қилинган: *"...Ҳўкиз ўз эгасининг таёғини тепиб, ўзига зарар келтиргандай, сен ҳам Менга қарши чиқиб, ўзингга зарар келтиряпсан." [6] Шоул ваҳимага тушиб, титроқ билан: "Ё Раббим, нима қилишимни буюрасан?" — деди. Раббимиз унга:...*.

9:11 *Тарсус* — 21:39 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

9:20 *Худонинг Ўғли* — Исо Масиҳнинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ ЎҒЛИ ибораси қаранг.

9:25 *шаҳар деворидаги дераза* — қадимги пайтларда шаҳарларнинг баланд, қалин деворлари бўлган. Бу деворлар шаҳарни босқинчилар ҳужумларидан ҳимоя қиларди. Баъзан шаҳар деворлари устига уйлар қурилган. Шоул мана шундай бир уйнинг деразасидан пастга туширилган бўлиши мумкин.

9:27 *Барнабо* — 4:36 га қаранг.

9:30 *Қайсария* — Қуддусдан 90 километр шимоли–ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган шаҳар. У ерда Павлус кемага тушиб, Тарсусга йўл олган (21:39 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

9:32 *Лўд шаҳри* — Қуддусдан 30 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

9:36 *Яффа шаҳри* — Лўддан 15 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

9:36 *...Тавита...Дўркас...* — Тавита унинг орамийча исми эди. Иккала тилда ҳам бу исмларнинг маъноси — *оҳу*.

9:39 *Тавита* — юнонча матнда *Дўркас* (шу бобнинг 36–оятига қаранг).

9:43 *кўнчи* — ҳайвонларнинг хом терисига ишлов берадиган косиб.

10:1 *Қайсария* — Қуддусдан 90 километр шимоли–ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган муҳим шаҳар. Бу шаҳар Рим империясига қарашли бўлган Яҳудия вилоятининг пойтахти эди.

10:2 *...Худодан қўрқарди* — муаллиф бу иборани яҳудийларнинг Худосига сажда қилган ғайрияҳудийларга нисбатан ишлатган. Улар яҳудий динининг қонун–қоидаларини бажарар эдилар ва уларнинг урф–одатларига риоя қилардилар, аммо суннат қилинмаган эдилар (11:3 га қаранг).

10:3 *соат уч* — юнонча матнда *тўққизинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди. Шу бобнинг 30–оятида ҳам бор.

10:5 *Бутрус деган одам* — юнонча матнда *Бутрус деган Шимўн* (шу бобнинг 18, 32–оятларида ҳам бор). Исо Масиҳ Шимўнга Бутрус исмини берган эди (Марк 3:16, Луқо 6:14 га қаранг). Баъзан у ҳақда сўз юритилганда, иккала исм ҳам биргаликда ишлатилади.

10:6 *кўнчи* — 9:43 изоҳига қаранг.

10:6 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Унинг сенга айтадиган сўзларидан ўзинг билан бутун хонадонинг нажот топасизлар*.

10:9 *туш пайти* — юнонча матнда *олтинчи соат*, яҳудийларнинг урф–одатига кўра, куннинг бу пайти ўша соат билан белгиланар эди.

10:9 *...томга чиққан эди* — у замонларда уйларнинг томи текис бўлиб, одамлар томга чиқиб дам олишарди.

10:14 *ҳаром ёки нопок нарсалар* — Мусо қонунларига кўра, ҳаром ҳисобланган, ейиш ман этилган жониворлар (Левилар 11:1-47 га қаранг).

10:30 *...худди шу пайтда — соат учларда уйимда ибодат қилаётган эдим. Бирдан...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *...худди шу пайтда уйимда рўза тутаётган эдим. Соат учларда ибодат қилаётганимда, бирдан....*

10:32 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар фариштанинг гапига қўшимча қилинган: *Унинг сенга айтадиган сўзлари бор*.

10:39 *ёғоч* — 5:30 изоҳига қаранг.

10:45 *яҳудий имонлилар* — юнонча матнда *суннат қилинган имонлилар*, Исо Масиҳга ишонган яҳудийлар назарда тутилган.

10:46 *бошқа* — ёки *номаълум*. Яна 2:4-8 га қаранг.

11:2 *яҳудий имонлилар* — юнонча матнда *суннат қилинганлар*, Исо Масиҳга ишонган яҳудийлар назарда тутилган. Бу ўринда уларнинг Мусо қонунларига, айниқса суннат ҳақидаги амрига (Ибтидо 17:9-14 га қаранг), қатъий риоя қилаётганларига ишора бўлиши мумкин.

11:8 *ҳаром ёки нопок нарсалар* — 10:14 изоҳига қаранг.

11:13 *Бутрус деган одам* — юнонча матнда *Бутрус деган Шимўн*. 10:5 изоҳига қаранг.

11:16 *деган сўзлари* — 1:5 га қаранг.

11:20 *Антиохия* — Рим империясига қарашли Сурия вилоятининг пойтахти. Бу шаҳар бутун Рим империясида буюк шаҳарларнинг орасида учинчи ўринда турган.

11:20 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонзабонлар*, яъни яҳудий бўлмаган, лекин юнон тилида сўзлашувчи, юнон урф–одатларига риоя қилувчи одамлар назарда тутилган. Улар яҳудийларнинг Худосига сажда қиладиган, “Худодан қўрқадиган” деб ном олган ғайрияҳудийлар бўлса керак (10:2 изоҳига қаранг).

11:25 *Шоул* — Павлус исми билан танилган (13:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

11:28 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

11:28 *Клавдий* — милодий 41-54 йилларда ҳукмронлик қилган.

12:1 *Ҳирод* — Ҳирод Агриппа I исми билан ҳам танилган бўлиб, Буюк Ҳироднинг ўғли эди.

12:2 *Ёқуб* — Исо Масиҳнинг ўн икки шогирдидан бири (1:13 га қаранг).

12:4 *Фисиҳ байрами* — Фисиҳ зиёфатига ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрамига ишора (шу бобнинг 3–оятига қаранг). Бу байрамлар Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланар эди (Чиқиш 12:1-42, 13:3-10 га қаранг).

12:15 *У Бутруснинг фариштаси* — яҳудийларнинг тасаввурига кўра ҳар бир одамни қўриқлайдиган бир фариштаси бўлиб, шу фаришта ўзи қўриқлайдиган одамнинг қиёфасида бошқаларга зоҳир бўлар экан. Муқаддас Китобдаги баъзи оятларда фаришталар, одамларга ёрдам бериш учун юборилган элчилар, деб ёзилган, аммо бундан ташқари фаришталарнинг аниқ вазифаси ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган (Ибтидо 48:16, Матто 18:10-11, Ибронийлар 1:4 га қаранг).

12:17 *Ёқуб* — Исонинг шогирди Ёқуб эмас (шу бобнинг 2–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг), балки Қуддусдаги жамоатнинг етакчиси ва Исонинг укаси Ёқуб назарда тутилган (15:13, 21:18 га ва Марк 6:3, Галатияликлар 1:18-19 га қаранг).

12:19 *...Яҳудиядан Қайсарияга...* — бу ўринда Яҳудия Рим империяси таркибидаги Яҳудия вилоятини эмас, балки яҳудийлар яшайдиган ҳудудни билдиради (Эски Аҳдда бу ҳудуд Яҳудо деб аталган). Қайсария Яҳудия вилоятининг пойтахти бўлиб, Қуддусдан 90 километр шимоли–ғарбда жойлашган эди.

12:25 *Шоул* — Павлус исми билан танилган (13:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

12:25 *...Қуддусда топшириқни бажариб бўлишгач...* — 11:27-30 га қаранг.

13:1 *вилоят ҳукмдори* — юнонча матнда *тетрарх*. Бу унвон Рим империяси томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳокимияти чекланган ва фақат Рим ҳукумати рухсати билан иш юритадиган ҳукмдорга нисбатан қўлланилган. Авом халқ орасида бундай ҳукмдор шоҳ деб аталар эди (мисол учун, Матто 14:9, Марк 6:14 га қаранг).

13:1 *Ҳирод* — 4:27 нинг биринчи изоҳига қаранг.

13:1 *Шоул* — Павлус исми билан танилган (шу бобнинг 9–оятига ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

13:4 *...Барнабо билан Шоул йўлга тушдилар* — Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган биринчи сафарининг бошланиши (“Хариталар” бўлимига қаранг). Улар Антиохияга қайтиб келганларида бу сафар якунланган (14:26-28 га қаранг).

13:4 *Селевкия шаҳри* — Антиохиядан қарийб 20 километр ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

13:5 *Юҳанно* — Марк исми билан ҳам танилган (12:12, 25 га қаранг).

13:7 *оролнинг ҳокими Сергиюс Павлус* — Рим ҳукумати томонидан тайинланган ҳоким.

13:9 *Шоул, яъни Павлус* — Павлуснинг ибронийча исми Шоул, лотинча исми Павлус бўлган. Китобнинг шу жойидан бошлаб, муаллиф уни Павлус деб атайди.

13:13 *Юҳанно* — Марк исми билан ҳам танилган (12:12, 25 га қаранг).

13:15 *Таврот ва Пайғамбарлар битиклари* — Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади) ва Пайғамбарлар битиклари (унинг таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) Эски Аҳд тўпламининг иккита қисмини назарда тутган.

13:16 *...Худодан қўрқадиган...* — 10:2 изоҳига қаранг.

13:18 *...Худо уларнинг саҳродаги қилмишларига чидади* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худо саҳрода уларга ғамхўрлик қилган*.

13:19 *етти элат* — Қонунлар 7:1-2 га қаранг.

13:20 *450 йил* — Исроил халқининг Мисрда бўлган вақтини (Ибтидо 15:13 га қаранг), Синай саҳросида юрган пайтларни (Саҳрода 32:13 га қаранг) ва Канъон юртини босиб олган ва қабилаларга бўлиб берган пайтни ўз ичига олади.

13:22 1 Шоҳлар 13:14, Забур 88:21 га қаранг.

13:25 *Яҳё...деган эди* — Юҳанно 1:20, Луқо 3:15-16 га қаранг.

13:28 *Пилат* — 3:13 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

13:29 *ёғоч* — 5:30 изоҳига қаранг.

13:32-33 Забур 2:7 га қаранг.

13:34 Муаллиф бу ўринда Ишаё 55:3 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

13:35 *Тақводоринг* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Муқаддас бўлганинг*.

13:35 Забур 15:10 га қаранг.

13:41 Муаллиф бу ўринда Хабаққуқ 1:5 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

13:43 *...яҳудий динига кирган...* — 2:10 изоҳига қаранг.

13:47 Ишаё 49:6 га қаранг.

13:50 *...Худодан қўрқадиган...* — 10:2 изоҳига қаранг.

13:51 *...огоҳлантириш тариқасида оёқларининг чангини қоқиб...* — одамлар Худонинг элчиларини рад этганлари учун, ҳаворийлар оёқларидаги чангни қоқиб кетардилар. Ҳаворий Павлус ҳам шунга ўхшаш ҳаракатни ишлатган (18:6 га қаранг). Бу ҳаракат ўша одамларнинг аянчли қисматини, яъни Худо томонидан рад этилишини ва Унинг шоҳлигидан бенасиб қолиш хавфини англатарди.

14:1 *Икония шаҳри* — Икония, Листра ва Дарба шаҳарлари Ликонияда жойлашган эди (шу бобнинг 6–оятига қаранг). Икония Римнинг Галатия вилоятидаги бир туман бўлган.

14:1 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар*. Ўша даврда *юнонлар* сўзи нафақат миллати юнон бўлган, балки юнон тилида сўзлашувчи, юнон урф–одатларига риоя қилувчи одамларга нисбатан ҳам ишлатилган. Синагогаларга бориб, у ердаги маросимларда қатнашадиган ғайрияҳудийлар “Худодан қўрқадиганлар” деб аталган (10:2 изоҳига қаранг).

14:10 *Ўрнингдан тур!* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Раббим Исо Масиҳ номидан сенга айтаман: ўрнингдан тур!*

14:12 *...Зевс...Хермес...* — қадимдаги юнонларнинг худоларидан иккитаси. Зевс — олий худо, Хермес эса ҳамма худоларнинг, хусусан Зевснинг элчиси ҳисобланган.

14:14 *...кийимларини йиртдилар...* — бу ҳаракат юз бераётган воқеадан уларнинг ҳайратланиб, изтиробга тушганларини кўрсатади.

14:18 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *ва уларни уй–уйларига юбордилар. Ўзлари эса яна шу ерда таълим беришни давом этдилар*.

14:19 *...келиб, халқни ўзларига оғдириб олдилар. Улар...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *...у ерга келди. Ҳаворийлар жасорат билан ваъз айтиб турганда, ўша яҳудийлар: "Улар бирон ҳақиқатни айтишгани йўқ, ҳамма сўзлари ёлғон", деб халқни ҳаворийлардан юз ўгиришга ундадилар. Халқни ўзларига оғдириб олгач, улар...*.

14:26 *...жамоат уларни...Худонинг марҳаматига топширган эди* — 13:1-3 га қаранг.

15:1 *Яҳудиядан бир неча одам* — Исо Масиҳга ишонган яҳудийлар бўлиб, улар Мусо қонунларига, айниқса суннат ҳақидаги амрига (Ибтидо 17:9-14 га қаранг), қатъий амал қилишарди.

15:4 *...қилган ишларини...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *...қилган ишларини, Худо ғайрияҳудийларга имон эшигини қандай очганини...*.

15:13 *Ёқуб* — 12:17 изоҳига қаранг.

15:14 *Бутрус* — юнонча матнда *Шимўн*, Бутруснинг яна бир исми (10:5 га қаранг).

15:16-18 Муаллиф бу ўринда Амос 9:11-12 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

15:20 *Бутларга келтирилган қурбонликнинг гўштини тановул қилишдан...* — 1 Коринфликлар 8:1-13, 10:23-32 оятларга ва 1 Коринфликлар 8:1 изоҳига қаранг.

15:20 *фаҳш–зино* — ғайрияҳудийлар орасида кенг тарқалган бўлиб, бутпарастларнинг диний маросимларидан ўрин олган.

15:20 *...қони чиқарилмаган ҳайвоннинг гўштини ейишдан...* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *...бўғиб ўлдирилган ҳайвоннинг гўштини ва қонини тановул қилишдан...*. Буларнинг иккаласи ҳам аслида бир ғояни — қони чиқарилмаган гўштни емасликни билдиради (Ибтидо 9:4, Левилар 17:10-14 га қаранг). Бундай гўштни тақводор яҳудийлар олдида ейиш уларни ҳақоратлаш билан тенг бўларди.

15:20 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *ва ўзларингиз учун истамаган нарсани ўзгага қилманглар* (шу бобнинг 29–оятида ҳам бор).

15:23 *Антиохия, Сурия ва Киликия* — бу пайтда Сурия ва Киликия Рим империяси таркибидаги бир вилоят ҳисобланган, Антиохия шу вилоятнинг энг катта шаҳри бўлган.

15:24 *...сизларни хавотирга солибди, юракларингизни ғаш қилибди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *сизларни хавотирга солибди, суннат қилинишингиз керак, Мусонинг Қонунига риоя қилишингиз керак, деб юракларингизни ғаш қилибди*.

15:29 *...сизлар...ўзларингизни тийинглар* — шу бобнинг 20–оятига берилган изоҳларга қаранг.

15:33-34 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 34–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Аммо Силас у ерда қолишга қарор қилди*. Бошқа

битта юнон қўлёзмасида эса шу ўринга қуйидаги сўзлар қўшимча қилинган: *Аммо Силас, бу ерда қоламиз, деб қарор қилди, Яҳудо бир ўзи Қуддусга қайтди*.

15:38 *Марк уларни Памфилияда қолдириб…* — 13:13 га қаранг.

15:40 *…улар йўлга чиқдилар* — Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафарининг бошланиши (“Хариталар” бўлимига қаранг). Павлус Антиохияга қайтиб келганда бу сафар якунланган (18:22 га қаранг).

16:3 *…яҳудийлар сабабли уни суннат қилдирди* — 2:10 изоҳига қаранг.

16:8 *Троас* — Македониянинг қарши томонида, Эгей денгизи бўйида жойлашган шаҳар.

16:10 *биз* — сафарнинг мана шу қисмида мазкур китоб муаллифи Луқо Павлус билан бирга бўлган (шу бобнинг 10-17–оятларига қаранг). 20:5-15, 21:1-18, 27:1-28:16 да ҳам бор.

16:12 *Македония вилоятининг Биринчи туманидаги шаҳар* — ёки *Македония вилоятининг ўша қисмидаги муҳим бир шаҳар*.

16:14 *художўй* — муаллиф бу сўзни яҳудийларнинг Худосига сажда қилган ғайрияҳудийларга нисбатан ишлатган (10:2 изоҳига қаранг).

16:37 *Рим фуқароси бўлсак ҳам…* — Рим фуқаролари қилган жиноятлари учун суд қилинмасдан олдин жазога тортилмас эдилар. Ҳаттоки, Рим фуқароси бирорта жиноятда айбдор, деб топилган бўлса ҳам уни калтаклаш қонунга хилоф эди. Яна 22:22-29 га қаранг.

17:2 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

17:4 *…Худодан қўрқадиган…* — 10:2 изоҳига қаранг.

17:4 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар* (шу бобнинг 12, 17–оятларида ҳам бор). 14:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

17:7 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

17:9 *гаров* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз Павлус ва Силас бирорта ташвиш қўзғатмай шаҳардан чиқиб кетса, Ясонга қайтариладиган тўловни билдиради.

17:15 *…уни Афинагача олиб бориб қўйдилар* — улар Эгей денгизи бўйлаб кемада, кейин эса пиёда Афинага борган бўлиши мумкин.

17:18 *эпикурчи ва стоик файласуфлар* — фалсафий ақида бўйича бир–бирига зид икки таълимот. Эпикурчиларнинг таълимотига кўра энг эзгу нарса бу — беташвиш, лаззатли ва азоб–уқубатдан холи бўлган ҳаёт. Стоикларнинг таълимотига кўра эса энг эзгу нарса бу — ўзини тийиш, бурчни виждонан бажариш, тақдир зарбаларига бардошли бўлиш, мўътадиллик ва сабр–тоқат.

17:18 *Павлус…ваъз қилаётгани учун улар шундай деб айтардилар* — матндаги ўликлардан тирилиш ибораси юнон тилида “анастасис” деб айтилади. Павлус нутқида “анастасис” сўзини ишлатгани учун, тингловчилар бу сўзни бирорта худонинг номи деб тушунган бўлишлари мумкин. Эҳтимол, шу сабабдан улар, Павлус “Исо ва Анастасис” ҳақида гапиряпти, деб ўйлангандирлар.

17:28 *…бир одамнинг айтиши бўйича…* — бу оятда Павлус Афиналикларга таниш бўлган қадимий шоирлардан иккитасининг шеъридан мисол келтирган.

18:2 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

18:2 *Клавдий* — милодий 41-54 йилларда ҳукмронлик қилган.

18:4 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар* (14:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг). Синагогаларга бориб, у ердаги маросимларда қатнашадиган ғайрияҳудийлар “Худодан қўрқадиганлар” деб аталган (10:2 изоҳига қаранг).

18:6 *Павлус кийимларидан чангни қоқди–да…* — 13:51 изоҳига қаранг.

18:7 *Титас Юстус* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Юстус*.

18:7 *художўй* — муаллиф бу сўзни яҳудийларнинг Худосига сажда қилган ғайрияҳудийларга нисбатан ишлатган (10:2 изоҳига қаранг).

18:12 *Галлион Ахая вилоятига ҳокимлик қилган пайтларда…* — Галлион милодий 51-52 йилларда Рим империясига қарашли Ахая вилоятининг ҳокими бўлган.

18:18 *Павлус Худога онт ичгани учун…сочини олдирди* — Павлуснинг маълум бир муддат давомида сочини олдирмаслик ҳақида берган алоҳида бир ваъдасига ишора қилинаётган бўлиши мумкин. Эҳтимол, Павлус бу ваъдани Худодан ҳимоя сўраб ибодат қилаётганда бергандир (шу бобнинг 9-11–оятларига қаранг). Ўша муддат тугагандан кейин Павлус Худога шукрона сифатида сочини олдирган.

18:19-21 *Худо хоҳиш билдирса…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Яқинлашиб келаётган байрамни мен албатта Қуддусда нишонлашим керак. Аммо Худо хоҳиш билдирса….*

18:23 *…яна йўлга чиқди…* — Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган учинчи сафарининг бошланиши (“Хариталар” бўлимига қаранг). Павлус Қуддусга қайтиб келганда бу сафар якунланган (21:12-17 га қаранг).

18:24 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

18:25 *…фақатгина Яҳёнинг таълимотини биларди* — Аполлос ҳали Исо Масиҳ номи билан сувга чўмдирилиш ҳақида эшитмаган эди. 2:37-38, 19:1-5 га ва Луқо 3:1-18 га қаранг.

19:6 *бошқа* — ёки *номаълум*. Яна 2:4-8 га қаранг.

19:10 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар* (шу бобнинг 17–оятида ҳам бор). 14:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

19:17 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар*. 14:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

19:19 *кумуш танга* — юнонча матнда *кумуш бўлак*, драхма деб аталган юнон тангасига ишора. Драхма юнон тангаси эди. Қиймати Римдаги бир *динор* қийматига тенг келар эди. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди.

19:24 *Артемис* — Артемида исми билан ҳам танилган, Эфесда сажда қилинган ҳосилдорлик маъбудасининг маҳаллий ифодаси. Артемиснинг буюк маъбади дунёнинг еттита мўъжизаларидан бири бўлиб, Эфес шаҳрининг яқинида жойлашган эди.

19:35 *осмондан тушган ҳайкал* — бу тасвирни одамлар жаннатдан юборилган, табаррук деб ҳисоблашарди. Эҳтимол, Артемиснинг дастлабки тасвири метеор бўлгандир.

20:2 *Юнонистон* — Рим империясига қарашли Ахая вилоятига ишора. Павлус Ахаянинг пойтахти Коринфда бирмунча вақт турган бўлиши мумкин.

20:5 *биз* — 16:10 изоҳига қаранг.

20:6 *Хамиртурушсиз нон байрами* — 12:4 изоҳига қаранг.

20:7 *Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдириш* — 2:42 изоҳига қаранг.

20:15 *...Самос оролига, унинг эртасига...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Самос оролига ўтиб, Трогиллион шаҳрида тўхтагандан кейин, яна бир кундан сўнг...*.

20:21 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар*. 14:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

20:35 *Раббимиз Исо айтган шу сўзлар* — бу сўзлар Янги Аҳд таркибидаги тўртта "Хушхабар" китобларига киритилмаган, чунки Исонинг қилган ишлари ва айтган сўзларининг ҳаммаси ҳам ёзиб қолдирилмаган (Юҳанно 20:30-31 га қаранг).

21:1 *Биз* — 16:10 изоҳига қаранг.

21:3 *Финикия* — юнонча матнда *Сурия*. Ўша даврда Финикия Рим империясига қарашли Сурия вилоятининг бир қисми эди. Ҳозирги Ливан мамлакатининг денгиз бўйидаги ҳудуди.

21:8 *етти киши* — 6:1-6 га қаранг.

21:10 *Хагабус* — 11:27-28 га қаранг.

21:11 *ғайрияҳудийлар* — ўша даврда Яҳудияда ҳукмронлик қилган Рим империяси амалдорларига ишора.

21:18 *Ёқуб* — 12:17 изоҳига қаранг.

21:21 *...болаларингизни суннат қилманглар...* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

21:23 *назр атаган тўртта одам* — бу эркаклар маълум бир муддат давомида шароб ичмасликка ва сочларини олдирмасликка онт ичган эдилар. Бу онт уларнинг Худога назр сифатида бағишланганини кўрсатар эди (Саҳрода 6:1-21 га қаранг). Белгиланган муддат ўтгандан кейин улар сочини олдириб, уни қурбонликка қўшиб Маъбадда назр қилишлари керак эди. Бошқа бир одам, назр атаган одамга пул бериб, қурбонлик қилинадиган ҳайвонни сотиб олиш учун ёрдам кўрсатиши мумкин эди. Бу ёрдам художўйлик ва сахийлик белгиси эди. Павлус яҳудий динининг расм–русумларига қарши эмаслигини кўрсатиш мақсадида, ўша тўртта одам билан бирга онтни бажариб, қурбонликларнинг барча харажатларини ўзи тўлаган.

21:25 *...биз уларга мактуб жўнатиб...* — 15:23-29 га қаранг.

21:25 *Бутларга келтирилган қурбонлик гўштини ва қони чиқарилмаган ҳайвон гўштини тановул қилишдан ҳамда фаҳш–зинодан...* — 15:20 нинг изоҳларига қаранг.

21:28 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар*. 14:1 нинг иккинчи изоҳига қаранг.

21:28 *...у ғайрияҳудийларни Маъбадга олиб келиб...* — Маъбаднинг фақатгина яҳудийлар кириши мумкин бўлган жойлари назарда тутилган. Ғайрияҳудийлар фақатгина Маъбаднинг "ғайрияҳудийлар ҳовлиси" деб аталган ташқи ҳовлисига кира олар эдилар. Маъбаднинг ички ҳовлисига кирган ғайрияҳудийлар ўлимга маҳкум қилинардилар. Маъбадда бу ҳақда огоҳлантирувчи ёзувлар бўлган. Ғайрияҳудийларни Маъбаднинг ички ҳовлисига олиб кирган инсон ҳам ўлимга маҳкум қилиниши мумкин эди. Шоҳ Ҳирод қурдирган бу Маъбаднинг лойиҳаси ва

расми луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган.

21:34 *қалъа* — Рим сипоҳлари жойлашган Антония қалъаси назарда тутилган. Бу қалъа Маъбаднинг шимоли–ғарб томонида жойлашган эди.

21:39 *Тарсус шаҳри* — Рим империясига қарашли Киликия вилоятининг пойтахти бўлган. Ҳозирги Туркиянинг жанубида, Ўрта ер денгизи яқинида жойлашган эди. Бу шаҳар савдо маркази бўлиб, у ерда кўплаб ўқув юртлари бор эди.

21:40 *орамий тили* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз иброний тилини ёки орамий тилини билдириши мумкин. Ўша пайтда қадимги Фаластинда яшаган яҳудийлар орамий тилида гаплашар эдилар.

22:2 *орамийча* — 21:40 изоҳига қаранг.

22:3 *Тарсус шаҳри* — 21:39 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

22:3 *Гамалиёл* — машҳур яҳудий олими ва тафсирчиси (5:33-40 га қаранг).

22:7 *Шоул* — Павлус исми билан танилган (13:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

22:9 *...нурни кўрардилар–у...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *нурни кўриб қўрқишган бўлса–да*.

22:14 *Солиҳ Зот* — Исо Масиҳга ишора.

22:20 *Шоҳидинг...* — ёки *Шаҳидинг...*, бу ўриндаги юнонча сўз шоҳид ва шаҳид маъноларини ифодалаётган бўлиши мумкин. 7:54-8:1 га қаранг.

22:25 *Рим фуқароси* — 16:37 изоҳига қаранг.

23:5 Чиқиш 22:28 га қаранг.

23:9 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *биз Худога қаршилик кўрсатмайлик*.

23:10 *қалъа* — 21:34 изоҳига қаранг.

23:23 *Қайсария* — Қуддусдан 90 километр шимоли–ғарбда, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган муҳим шаҳар. Бу шаҳар Рим империясига қарашли бўлган Яҳудия вилоятининг пойтахти эди.

23:24 *ҳоким Феликс* — Рим империясига қарашли Яҳудия вилоятининг ҳокими.

23:30 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Саломат бўлинг*.

23:31 *Антипатрис шаҳри* — Қуддусдан 60 километр шимоли–ғарбда жойлашган.

23:35 *Ҳироднинг саройи* — аслида Буюк Ҳирод томонидан қурилган. Сарой бу даврда Рим империясига қарашли Яҳудия вилояти ҳокимларининг идораси бўлган.

24:1 *Қайсария* — 23:23 изоҳига қаранг.

24:1 *ҳоким* — Феликс, Рим империясига қарашли Яҳудия вилоятининг ҳокими.

24:5 *насронийлар мазҳаби* — насроний номи Исо улғайган шаҳар Носиранинг номидан келиб чиққан. Бу даврда кўп одамлар масиҳийларни яҳудий динининг бир мазҳаби деб ҳисоблардилар.

24:6-7 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 6–оятнинг охирини, 7–оятни ва 8–оятнинг бошини ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Уни ўз қонунимизга кўра, суд қилмоқчи бўлдик. [7] Лекин мингбоши Лисияс келиб, уни зўрлик*

билан қўлимиздан тортиб олиб, [8] сизнинг қошингизга юборди. Биз ҳам сизнинг ҳузурингизга келиб, унга айб қўйишимизни буюрди.

24:14 *Таврот…Пайғамбарлар битиклари…* — одатда яҳудийлар, Эски Аҳд тўплами уч қисмдан иборат, деб айтадилар. Бу уч қисм қуйидагилардир: Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади), Пайғамбарлар битиклари (унинг таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) ва Битиклар (Забур бу қисмнинг биринчи китобидир). Яҳудийлар баъзан дастлабки икки қисм “Таврот ва Пайғамбарлар битиклари” деганда бутун Эски Аҳд тўпламини назарда тутадилар.

24:24 *Друсилла яҳудий эди* — у Ҳирод Агриппа II нинг ва Верниканинг синглиси бўлган (25:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

25:1 *Қайсария* — 23:23 изоҳига қаранг.

25:8 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

25:11 *…мен Қайсарнинг ҳукмини талаб қиламан* — Павлус Рим фуқароси бўлган, шунинг учун ўз даъвосини Рим императори эшитишини талаб қилишга ҳақи бор эди. Бу даврда Рим императори Нерон эди.

25:13 *…шоҳ Агриппа…Верника…* — Агриппа яна Ҳирод Агриппа II номи билан ҳам танилган эди. У Буюк Ҳироднинг авлоди бўлиб, ҳудуднинг Рим ҳукумати томонидан белгилаб берилган қисмларида ҳукмронлик қиларди. Верника унинг синглиси эди, уларнинг отаси Ҳирод Агриппа I эди (12:1 га қаранг).

26:1 *Агриппа* — 25:13 изоҳига қаранг.

26:6 *…умид қилганим…* — Павлус бу ўринда ўликларнинг тирилиши ҳақидаги Эски Аҳдда аён қилинган ишончга ишора қиляпти (мисол учун, Забур 15:9-11, Ишаё 26:19, Дониёр 12:2, Луқо 20:37-38 га қаранг). Фарзийлар ҳам бунга ишонганлар (23:6-8, 24:12-15, 20-21 га қаранг). Истеҳзоли томони шундаки, Павлус Исо Масиҳнинг ўликдан тирилганига ишонгани учун яҳудийлар томонидан ҳукм қилинаётган эди. Аммо Масиҳнинг ўликдан тирилиши яҳудийлар анчадан бери интизорлик кутганларининг рўёбга чиқишининг бошланиши эди (шу бобнинг 22-23–оятларига қаранг).

26:7 *халқимизнинг ўн икки қабиласи* — Иброҳимнинг набираси Ёқубнинг ўн икки ўғлидан келиб чиққан бутун яҳудий халқига ишора.

26:14 *орамий тили* — 21:40 изоҳига қаранг.

26:14 *Шоул* — Павлус исми билан танилган (13:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

26:22 *пайғамбарларнинг ва Мусонинг айтганлари* — Луқо 24:25-27 га қаранг. Яна 24:14 изоҳига қаранг.

26:32 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

26:32 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Шундай қилиб, ҳоким уни Қайсар олдига юборишга қарор қилди*.

27:1 *Биз* — 16:10 изоҳига қаранг.

27:1 *…Италияга…* — Павлуснинг Римга олиб кетилиши (“Хариталар” бўлимига қаранг). Павлуснинг Римга етиб боргани ҳақида 28:16 да ёзилган.

27:2 *бандаргоҳ* — кемалар тўхтайдиган жой, порт. Тўлиқроқ маълумотга эга

бўлиш учун луғатдаги БАНДАРГОҲ сўзига қаранг.

27:9 *Покланиш куни* — яҳудийларнинг бу байрами сентябрнинг охирида нишонланган (Левилар 16:29-34 га қаранг). Об–ҳаво фаслга қараб ўзгариб тургани сабабли, сентябрь ойининг ўртасидан кейин, Ўрта ер денгизига кемада чиқиш хавфли эди. Одатда ноябрь ойининг ўрталаридан бошлаб, то март ойининг ўрталаригача бу денгизда ҳеч қандай кема юрмас эди.

27:12 *...қаттиқ қиш шамолларидан панада эди* — юнонча матнда *...жануби–ғарб ва шимоли–ғарбга қаратилган эди*.

27:16 *Кавда* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Клавда*.

27:17 *Суртис* — Сидра деб аталган кўрфаз, ҳозирги Ливия мамлакатининг ҳудудига киради. Кўрфазнинг саёз жойлари ва кўчиб турадиган қумлари бўлгани боис, бу ер денгизчилар учун жуда хавфли эди. Қадимги пайтларда бу жой "денгизчиларнинг қабристони" деб ном олган эди.

27:17 *тезликни камайтирадиган лангар* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз кеманинг орқасидан судраладиган лангарга ишора қилиши мумкин. Эҳтимол, бу лангар одатдаги лангардан фарқли равишда конус шаклидаги катта, махсус бир мато бўлиб, кеманинг орқасидан сувга ташланган бўлиши мумкин. Сувга тўлган мато кеманинг тезлигини секинлаштирарди. Бўрон кемани Суртисга олиб кетмаслиги учун, денгизчилар шу лангардан фойдаланганлар.

27:24 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

27:27 *Ўрта ер денгизи* — юнонча матнда *Адрияс денгизи*, бу Крит ва Мальта ороллари орасидаги Ўрта ер денгизининг ҳудудига ишора қилади.

27:28 *...20 қулоч...15 қулоч...* — тахминан 37 метрга ва 27 метрга тўғри келади.

28:1 *Биз* — 16:10 изоҳига қаранг.

28:11 *"Эгизак худолар"* — қадимий юнонлар Зевснинг ўғиллари, деб ҳисоблаган икки бут — Кастор ва Поллукснинг унвони. Бу икки бут денгизчиларнинг ҳомийлари деб ҳисобланган, шунинг учун уларга асосан денгизчилар сажда қилган.

28:15 *...Аппиюс бозори...Уч меҳмонхона...* — Римга олиб борадиган асосий йўлнинг бўйидаги икки жой, улар шаҳардан жануби–шарқ томонда, тахминан 70 километр ва 55 километр масофада жойлашган.

28:16 *Биз Римга келганимиздан кейин, Павлусга...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Биз Римга келганимиздан кейин, юзбоши маҳбусларни лашкарбошига топширди. Павлусга эса...*.

28:19 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

28:20 *Исроилнинг умиди* — 26:6-8 оятларга ва 26:6 изоҳига қаранг.

28:22 *бу мазҳаб* — 24:5 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

28:23 *...Мусонинг Тавrот китоби...Пайғамбарлар битиклари...* — 24:14 изоҳига қаранг.

28:26-27 Муаллиф бу ўринда Ишаё 6:9-10 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

28:28-29 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 29–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Павлус шу гапларни айтгандан кейин, яҳудийлар ўзаро қаттиқ баҳслашиб, кетиб қолдилар*.

ЁҚУБНИНГ
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исонинг укаси Ёқубдир. Исо Масиҳ ер юзида хизмат қилган даврда Ёқуб Унга ишонмаган эди, Унинг хизматини ҳам маъқулламаган эди. Масиҳ ўликдан тирилгандан кейин эса Ёқуб Унга ишониб*, Қуддусдаги жамоат етакчиси бўлди. Муаллиф ушбу мактубини Исо Масиҳга имон келтирган яҳудийларга йўллайди. Имонлилар ўша даврда қувғинлар оқибатида Қуддусдан узоқ жойларга тарқалиб кетган бўлишлари мумкин (Ҳаворийлар 8:1 га қаранг).

Мазкур мактуб имонлилар учун ҳаётий қўлланма бўлиб хизмат қилади, имон фақат тилда эмас, балки амалда қўлланилиши керак деган ғояни илгари суради. Муаллиф кўплаб мажозий образлардан фойдаланган ҳолда, хулқ–атвор ва кундалик ҳаётга оид кўрсатмалар беради. У донолик, масиҳийларнинг юриш–туриши, одамларга ва вазиятга муносабат, бойлик ва камбағаллик, васваса ва синовлар, имон ва амал каби турли мавзулар борасида сўз юритади. Шунингдек, беқарорлик, мағрурлик, манманлик, очкўзлик, баднафслик, иккиюзламачилик каби иллатларни аёвсиз танқид қилади. Хуллас, имонли одам имони бўйича яшаши керак, деб таъкидлайди.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Мен — Худонинг ва Раббимиз Исо Масиҳнинг қули Ёқубдан* ўзга юртларга
тарқалиб кетган ўн икки қабилага* салом!

Синов ва васвасалар

2 Эй биродарларим, турли синовларга дучор бўлганингизда ўзингизни бахтли
деб билинглар. 3 Ахир, имонингиз синалганда, сизлар сабр–тоқат қилишни
ўрганасизлар. Бу ўзингизга ҳам аён. 4 Ҳар қандай вазиятда сабр қилишни
ўрганинглар, шунда етук, бекаму кўст, комил инсон бўласизлар.

5 Агар бирортангизга донолик етишмаса, Худодан сўранг, У беради. Чунки
сўраганларнинг ҳаммасига Худо сахийлик билан, беминнат беради. 6 Шу боис
умидингизни фақатгина Худога боғлаб, имон билан сўранг. Иккиланманг, чунки
Худога сидқидилдан ишонмаган киши гўё денгиз тўлқинига ўхшайди, шамол
қайси томонга эсса, тўлқин ўша томонга қараб йўналади. 7 Бундай одам
Эгамиздан бирор нарса оламан деб умид қилмасин. 8 У Худога таянмагани учун
ҳаётида беқарор, ўзгарувчан бўлади.

9 Ночор аҳволдаги биродар Худонинг назарида юксак эканлигидан хурсанд
бўлсин. 10 Бой биродар эса Худога муҳтож эканлигидан шодлансин. Чунки ўз
бойлигига таянган киши дашт гулидай хазон бўлади. 11 Қуёш жазирама иссиғи
билан даштнинг ўт–ўланларини қовжиратиб юборади. Гулларнинг гўзаллиги
йўқолиб, хазон бўлади. Бойлик орқасидан қувиб, давлатига таянганлар ҳам худди
шу сингари нобуд бўлишади.

12 Синовларга бардош берган одам бахтлидир. Чунки у синовдан ўтгач, ҳаёт
тожи билан тақдирланади. Бундай тожни Худо Ўзини севганларга ваъда қилган.
13 Васвасага тушганингизда Худони айбламанг! Чунки Худо ҳеч қачон васвасага
тушмайди ва ҳеч кимни васвасага солмайди. 14 Лекин ҳар ким ўз эҳтироси

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

дастидан васвасага дучор бўлиб, нафс тузоғига илинади. 15 Кейин эҳтирос
ҳомиладор бўлиб гуноҳни туғади, гуноҳ эса етилиб, ўлимга олиб боради.
16 Эй азиз биродарларим, алданманглар! 17 Ҳар бир яхши ва мукаммал ҳадя
самодан келади. Бу ҳадяларни осмондаги жамики ёритқичларни яратган Худо*
беради. Ёритқичларнинг нури пайдо бўлиб, ғойиб бўлади, Худонинг эзгулиги эса
йўқолмайди. Зеро, Худо ҳеч қачон ўзгармайди. 18 Худо келажакда бутун борлиқни
янгилайди. Биз бу янгиланишнинг илк ҳосили* бўлишимиз учун, Худо Ўз
хоҳишига кўра, бизга ҳақиқат каломи орқали янги ҳаёт берди.

Худонинг сўзини эшитиб, унга амал қилиш ҳақида

19 Эй азиз биродарларим, шуни эсингизда тутинглар: ҳар бир одам эшитишда
чаққон, гапиришда вазмин, ғазаб келганда босиқ бўлсин. 20 Чунки инсоний
ғазабингиз Худога манзур бўлган солиҳ ҳаёт кечиришингизга йўл қўймайди.
21 Шундай экан, ҳар қандай жирканч ва ёмон ишларни бас қилинглар! Худонинг
қалбингизга экkан каломини камтарлик билан қабул қилинглар. Ахир, бу калом
жонингизни қутқаришга қодир.
22 Худонинг каломига риоя қилинглар! Каломни эшитсам бас, деб ўзингизни
ўзингиз алдаманглар. 23 Каломни тинглаб, амалда риоя қилмаган одам ўз юзини
кўзгуда кўрган кишига ўхшайди. 24 У ўзига қаради–ю, кетди ва ўша заҳоти
ўзининг қандай эканлигини унутиб юборди. 25 Сизлар эса Худонинг озодлик
берувчи мукаммал қонунига* доим синчиклаб қаранглар. Қонунни шунчаки
эшитиб, унутиб юборманглар, унга қатъий амал қилинглар. Бу ишингиз учун
Худо сизга барака беради.
26 Агар сиз ўзингизни диндор ҳисоблаб, тилингизни тиймасангиз, ўзингизни
ўзингиз алдаган бўласиз ва сизнинг бундай дин–диёнатингиз бефойдадир.
27 Отамиз Худонинг назарида пок ва беғубор дин–диёнатга эга бўлган инсон
етим–есиру беваларни қайғули кунларида йўқлаб боради, у бу дунё дастидан
булғанмайди.

2–БОБ

Юз–хотирчилик қилманглар

1 Эй биродарларим, улуғвор Раббимиз Исо Масиҳга ишонар экансиз,
юз–хотирчилик қилманглар. 2 Сизларнинг йиғилишингизга олтин узук тақкан,
башанг кийинган бир бой билан уст–боши жулдур бир гадой кирди деб фараз
қилайлик. 3 Агар сизлар башанг кийинганга қараб: “Марҳамат қилиб тўрга
чиқинг”, гадойга эса: “Сен остонада тур” ёки “Шу ерда, пойгакда ўтир”, десангиз,
4 сизлар бир одамни бошқасидан устун қўйган бўлмайсизларми?! Бу билан сизлар
ёмон ниятли қозиларга ўхшаб қоласизлар–ку!
5 Эй азиз биродарларим, қулоқ солинглар: Худо бу дунёдаги камбағалларни
имонда бой қилиш учун танлади! У Ўзини севганларга ваъда қилгандай, уларга Ўз
Шоҳлигини мерос қилиб берди. 6 Аммо сизлар–чи, камбағални беобрў қилиб
ташладингиз! Сизларга жабр–зулм қилган бойлар эмасми?! Сизларни
маҳкамаларга судраб олиб борган улар эмасми?! 7 Сизлар Раббимиз Исога
тегишлисизлар. Аммо бу бойлар Раббимизнинг эзгу номини ҳақорат қиляптилар!
8 Агар сизлар Муқаддас битиклардаги: “Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”*
деган Худонинг Шоҳлигига оид қонунга амал қилаётган бўлсангиз, тўғри
қилаётган бўласизлар. 9 Бироқ юз–хотирчилик қилаётган бўлсангиз, гуноҳ
қиляпсиз ва қонунбузар сифатида ҳукм қилинасиз. 10 Кимки қонуннинг
ҳаммасига риоя қилса–ю, фақат бир нарсада гуноҳ қилса, у бутун қонунни бузган

ҳисобланади. 11 Чунки “Зино қилманг” деган Худо “Қотиллик қилманг”* деб ҳам
айтган. Агар сиз зино қилмасангиз–у, аммо одам ўлдирсангиз, қонунни бузган
бўласиз.
12 Шунинг учун ҳар бир гапингиз ва ишингиз Худонинг озодлик берувчи
қонунига* мувофиқ бўлсин. Зеро, Худо ҳар бир одамни ўша қонун бўйича ҳукм
қилади. 13 У шафқатсиз одамга раҳм қилмайди. Раҳмдил инсон эса ҳукм пайтида
Худодан шафқат топади.

Имон ва амал

14 Эй биродарларим, агар бирор киши имоним бор, деса–ю, хайрли ишлар
қилмаса, нима фойдаси бор?! Бундай имон уни қутқарармиди?! 15 Фараз қилинг,
имонли биродарингиз оч–яланғоч бўлса–ю, 16 сиз унга: “Яхши бор! Исиниб,
қорнингни тўйдириб юр”, десангиз–у, эҳтиёжини қондирмасангиз, бундан нима
фойда?! 17 Шунга ўхшаб қуруқ имоннинг ўзи амалсиз ўликдир.
18 Кимдир:
— Баъзиларнинг хайрли ишлари, бошқаларнинг эса имони бор–ку, — деб
норозилигини билдириши мумкин. Ундай одамга мен шундай жавоб берган
бўлардим:
— Кел, сенга имонимни хайрли ишларим орқали кўрсатай. Сен эса имонинг
самимийлигини қайси далил билан исботлай оласан? Ахир, сен хайрли ишлар
қилмайсан–ку!
19 У одам:
— Мен Худонинг ягоналигига ишонаман! — деб айтиши аниқ. Мен эса унга:
— Ишониб, яхши қиласан! — дейман. — Аммо сенинг бу ишончинг
жинларнинг ишончидан асло фарқ қилмайди. Зеро, жинлар ҳам Худонинг
ягоналигига ишониб, даҳшатдан титрайди. 20 Эй аҳмоқ, амалсиз имонинг
фойдасиз эканлигини наҳотки тушунмасанг?! 21 Отамиз Иброҳим* ўз ўғли
Исҳоқни қурбон қилмоқчи бўлгани учун Худо уни солиҳ деб билди! 22 Ана,
кўрдингми?! Иброҳимнинг бу ишига имон асос бўлди. Унинг қилган иши
имонининг чинлигини кўрсатди. 23 Шу тариқа Тавротдаги: “Иброҳим Худога
ишонди, Худо уни ишончи учун, солиҳ деб билди”*, — дея ёзилган сўз амалга
ошди. Иброҳим Худонинг дўсти деб аталди*.
24 Эй биродарларим, кўрдингизми, инсон қуруқ имони учун эмас, балки қилган
ишлари учун солиҳ деб тан олинади.
25 Фоҳиша Раҳоба* ҳам бунинг яна бир мисолидир. Нима учун Худо уни солиҳ
деб тан олди? Раҳоба Исроил халқининг айғоқчиларини уйига киргизиб, бехатар
йўл билан қочиб кетишларига ёрдам бергани учун Худо уни солиҳ деб билди.
26 Хуллас, амалсиз имон жонсиз танадай ўликдир.

3–БОБ

Тилни тиймоқ ҳақида

1 Эй биродарларим, ҳаммангиз ҳам устоз бўлаверманглар! Биз, устозлар,
жиддийроқ ҳукмга дучор бўлишимиз ўзингизга маълум. 2 Одамларнинг ҳаммаси
кўп хато қилади. Сўзлаётганда хато қилмаган инсон етукдир. У бутун вужудини
жиловлай олади. 3 Биз отларни итоат эттириш учун оғизларига сувлуқ соламиз.
Шу орқали уларнинг бутун танасини бошқарамиз. 4 Мана, кемалар ҳам, қанча
улкан бўлмасин ва кучли шамоллар ёрдамида юрмасин, кичкина бир руль билан
бошқарилади. Кемачи руль ёрдамида кемани истаган жойга йўналтиради. 5 Тил
ҳам худди шундайдир, тил баданнинг кичкина бир узвидир, аммо катта

муаммоларни келтириб чиқаради.

Қара, кичкина бир олов бепоён ўрмонни ёндириб юборади! [6] Тил ҳам оловга ўхшайди. Тил — узвларимиз орасида бир бузғунчи дунё! У бутун вужудимизни булғайди. У дўзахдан алангаланиб, бутун ҳаётимизни ёндиради.

[7] Турли хил ёввойи ҳайвонлар билан қушлар, судралувчи ва денгиз ҳайвонлари инсон зоти томонидан бошқарилган ва бошқарилмоқда. [8] Аммо тилни ҳеч бир инсон бошқара олмайди. Тиниб–тинчимас бу ёвуз тил заҳри қотилдир. [9] Биз тилимиз билан самовий Отамиз бўлган Эгамизни олқишлаймиз ва тилимиз билан Худонинг суратида яратилган инсонларни лаънатлаймиз. [10] Олқиш ва лаънат бир оғиздан чиқади. Эй биродарларим, бундай бўлмаслиги керак! [11] Ахир, битта булоқдан ҳам ширин, ҳам аччиқ сув оқиб чиқмайди–ку! [12] Эй биродарларим, анжир дарахти зайтун мевасини берадими?! Ёки ток новдаси анжир тугадими?! Йўқ! Шўр булоқдан ҳам ширин сув оқиб чиқмайди!

Ким доно?

[13] Доно ва фаросатлимисиз? Буни ибратли ҳаётингиз орқали намоён қилинг. Ҳар бир ишни камтарлик ва донолик билан бажаринг. [14] Борди–ю, юрагингизда аччиқ ҳасад ва худбинлик бўлса, дономан, деб мақтанманг. Ўзингизни шундай тутаётган бўлсангиз, ҳақиқатни рад этган бўласиз. [15] Дунёга ва моддиятга хос бўлган бундай “донолик” Худодан эмас, шайтондандир. [16] Чунки ҳасадгўйлик ва худбинлик бор жойда жанжал ва ёвузлик ҳукм суради.

[17] Худодан келган донолик эса, аввало покдир. Шунингдек, бу асл донолик тинчликсевар, мулойим, ҳақиқатга бўйсунадиган, меҳр–шафқатли, хайрли ишларга бой, тарафкашлик қилмайдиган, ўта самимийдир. [18] Тинчлик ўрнатувчилар тинчликни экиб, солиҳликни ўриб оладилар.

4–БОБ

Дунё билан дўст бўлган киши Худога душмандир

[1] Орангиздаги уруш ва жанжаллар қаердан келиб чиқади? Ичингизда жанг қилаётган нафсу эҳтиросларингиздан эмасми?! [2] Сизлар ўзингизда йўқ нарсани хоҳлайсизлар, ўшанга эришиш учун одам ўлдиришдан ҳам тоймайсизлар. Ҳасад қиляпсизлар, аммо мақсадингизга эриша олмагач, жанжаллашиб урушяпсизлар. Сизларда хоҳлаган нарсангиз йўқ, чунки уни Худодан сўрамайсизлар. [3] Сўраган тақдирда ҳам, олмаяпсизлар, чунки ёмон ният билан, нафсингизни қондириш учун сўраяпсизлар.

[4] Эй садоқатсиз бандалар! Дунё билан дўстлик Худога душманлик эканлигини наҳотки билмасангизлар?! Ким дунё билан дўст бўлишни истаса, Худога душман бўлади. [5] Муқаддас битикларда: “Худо ичимизга солган руҳни ғоятда қизғанади, У биздан садоқатни талаб қилади”, деб таълим берилади–ку! Нима, сизлар буларни бекор деб ўйлайсизларми?! [6] Тўғри, Худо биздан садоқатни талаб қилади, аммо шу билан бирга У бизга нисбатан ниҳоятда иноятлидир. Зеро, Муқаддас битикларда ёзилган:

> “Худо мағрурларга қарши чиқади,
> Камтарларга эса иноят кўрсатади.”*

[7] Шундай экан, Худога бўйсунинглар! Иблисга қаршилик кўрсатинглар, шунда у сизлардан қочади. [8] Худога яқинлашинглар, шунда У сизларга яқинлашади. Эй гуноҳкорлар, қўлларингизни гуноҳдан тозаланглар! Бир вақтнинг ўзида ҳам

Худога, ҳам дунёга кўнгил боғлаганлар, қалбингизни покланглар! [9] Қилган
гуноҳингиз учун қайғуринглар, мотам тутинглар, йиғланглар! Кулгингиз
мотамга, шодлигингиз ғам–ғуссага айлансин. [10] Эгамиз олдида ўзингизни паст
тутинглар, шунда У сизларни юксалтиради.

Биродарларни ҳукм қилманглар

[11] Эй биродарларим, бир–бирингизни ёмонламанглар. Агар биродарингизни
ёмонлаб, ҳукм қилсангиз, демак, меҳр–оқибатни ўргатадиган Худонинг қонунини
ёмонлаб, ҳукм қилган бўласизлар. Худонинг қонунини ҳукм қилган одам эса,
қонун бажаришдан бош тортиб, ўзини қонундан устун қўйган қозидай бўлади.
[12] Аммо фақатгина Худо қонун чиқариб, ҳукм қила олади. Фақат У қутқариш ва
нобуд қилиш қудратига эга. Сен эса ким бўлибсанки, биродарингни ҳукм
қиласан?!

Худога таянмай ўз кучига таянганларни огоҳлантириш

[13] Ҳой, қилмоқчи бўлган ишлари билан мақтанадиганлар, менга қулоқ
солинглар! Сизлар: “Бугун ёки эртага фалон шаҳарга бориб, у ерда бир йил
яшаймиз. Савдо–сотиқ қилиб, пул ишлаб келамиз”, дейсизлар. [14] Эртага нима
бўлишини сизлар қаердан биласизлар?! Умрингиз бир лаҳза кўзга кўриниб, кейин
ғойиб бўладиган тутунга ўхшайди–ку! [15] Бунинг ўрнига сизлар: “Эгамиз хоҳласа,
соғ–саломат бўлсак, уни ёки буни қиламиз”, деб айтишингиз керак. [16] Сизлар эса
аксини қилиб, мағрурланиб, мақтаняпсизлар. Бу каби мақтаниш ёмондир.
[17] Демак, қилишингиз керак бўлган яхши ишни била туриб, қилмасангиз гуноҳ
бўлади.

5–БОБ

Бойларни огоҳлантириш

[1] Менга қаранглар, эй бойлар, бошингизга тушадиган фалокатлар учун
ҳўнграб йиғланглар! [2] Бойлигингиз чириб кетган, кийимингизни куя еган.
[3] Олтину кумушларингизни занг босган. Бу занг сизга қарши гувоҳ бўлади, у
туфайли танангиз Худонинг қаҳри оловида ёнади. Охирзамон келиб қолди,
сизлар эса бойлик тўплаш билан оворасизлар. [4] Сизлар экинларингизни ўрган
ўроқчиларни алдаб, иш ҳақини бермадингизлар. Ана, ўша пуллар сизлардан
норози бўлиб, нола қилмоқда! Ўроқчиларнинг дод–фиғони Сарвари Оламнинг
қулоғига етиб борди. [5-6] Сизлар қаршилик кўрсата олмаган айбсиз одамларни
қоралаб, қатл қилдингизлар. Бу дунёда маишатга берилиб, ҳузур–ҳаловатда
яшадингизлар. Бўрдоқилардай семириб кетдингиз! Мана энди ҳукм кунида
сўйилишга тайёр бўлиб қолдингиз!

Сабр–тоқатли бўлинглар

[7] Эй биродарларим, Раббимиз Исо келадиган кунга қадар сабр–тоқат
қилинглар! Ахир, деҳқон ҳам даласи мўл ҳосил етиштиришини кутади. У кузги ва
баҳорги ёмғирни пойлаб, қанча сабр–тоқат қилади! [8] Сизлар ҳам сабр қилинглар.
Дадил бўлинглар, чунки Раббимизнинг келадиган куни яқинлашиб қолди.
[9] Биродарларим, маҳкум бўлмаслигингиз учун бир–бирингиздан шикоят
қилманглар. Мана, ҳукм қилувчи Раббимиз Исо остонада турибди!

[10] Эй биродарларим, пайғамбарлардан ўрнак олинглар! Улар Эгамизнинг
номидан гапириб, азоб–уқубатларга дош берганлар. [11] Дарҳақиқат, сабр қилган
бундай одамларни биз бахтли деб ҳисоблаймиз. Аюбнинг* сабр–тоқати ҳақида
эшитгансизлар, охирида Эгамиз унга қанчалар барака берганини биласизлар. Ҳа,

Эгамиз раҳмдил ва меҳр–шафқатлидир.
12 Эй биродарларим, энг аввало, қасамхўр бўлманглар! Лафзи йўқ инсон каби,
бўлар–бўлмасга осмон ҳақи, ер ҳақи ва бошқа нарса ҳақи, деб қасам
ичаверманглар. Жавобингиз “ҳа” ёки “йўқ” бўлсин. Шунда Худо сизларни ҳукм
қилмайди.

Бир–бирингиз учун ибодат қилинглар

13 Орангизда азоб–уқубат чекаётган биронта одам борми? Агар бўлса, ибодат
қилсин. Хурсанд бўлгани борми? Худога ҳамду санолар куйласин. 14 Орангизда
касал бўлган борми? Жамоат оқсоқолларини чақиртирсин. Улар ибодат қилиб,
Раббимиз Исо номи билан беморнинг бошига зайтун мойини суртсинлар*. 15 Имон
билан қилинган ибодат беморни соғайтиради, Раббимизнинг Ўзи унга шифо
беради. Агар бемор гуноҳ қилган бўлса, Раббимиз уни кечиради. 16 Шунинг учун
қилган гуноҳларингизни бир–бирингиз олдида тан олинглар, бир–бирингиз учун
ибодат қилинглар, шифо топасизлар. Солиҳ одамнинг илтижоси кучли таъсирга
эгадир! 17 Илёс* ҳам бизга ўхшаган оддий бир инсон эди. Ёмғир ёғмасин, деб у
астойдил илтижо қилди ва ер юзига уч йилу олти ой ёмғир ёғмади. 18 Сўнг у ёмғир
ёғсин, деб ибодат қилди, осмондан ёмғир ёғиб, ер ҳосил берди.
19 Эй биродарларим, агар орангиздаги бирор киши ҳақ йўлдан озган бўлса, уни
тўғри йўлга солинг. 20 Эсингизда бўлсин, гуноҳкорни ноҳақ йўлдан қайтарган
одам ўша гуноҳкорнинг нажот топишига ва беҳисоб гуноҳларининг ювилишига
сабабчи бўлади.

ИЗОҲЛАР

...Ёқуб Унга ишонмаган эди...Ёқуб Унга ишониб... — Юҳанно 7:2-5, Ҳаворийлар 1:14 га қаранг.

1:1 *Ёқуб* — Исонинг укаси, у Қуддусдаги жамоатнинг етакчиси бўлган (Марк 6:3, Ҳаворийлар 15:13, 21:18, Галатияликлар 1:18-19 га қаранг).

1:1 *ўзга юртларга тарқалиб кетган ўн икки қабила* — Исо Масиҳга имон келтирган ва Қуддусдан узоқ жойларда яшайдиган яҳудийлар назарда тутилган. Бу имонлилар қувғинлар оқибатида тарқалиб кетган бўлишлари мумкин (Ҳаворийлар 8:1, 11:19 га қаранг).

1:17 *осмондаги жамики ёритқичларни яратган Худо* — юнонча матнда *осмондаги жамики ёритқичларнинг отаси*. Бу ўринда отаси сўзи уларнинг манбаи ёки яратувчиси деган маънони билдиради.

1:18 *илк ҳосил* — биринчи пишган илк ҳосил ўша йили йиғиштириладиган ялпи ҳосилнинг мўл бўлишидан далолат беради. Худди шу сингари, Масиҳ орқали янги ҳаётга эришган масиҳийлар ҳам илк ҳосилдай, Худо бутун борлиқни янгилашидан далолат беради (2 Бутрус 3:13, Римликлар 8:19-21, Ваҳий 21:1-5 га қаранг).

1:25 *Худонинг озодлик берувчи мукаммал қонуни* — Исо Масиҳ ўргатган ва Ўз ҳаётида намунали равишда бажарган Худонинг қонунига ишора (2:8 га ва Матто 5:17, 43-48, 22:36-40, Луқо 10:25-37, Юҳанно 8:31-36, Галатияликлар 5:13-14, 6:2, 1 Коринфликлар 9:21 га қаранг).

2:8 Левилар 19:18 га қаранг.

2:11 Чиқиш 20:13-14 га қаранг.

2:12 *Худонинг озодлик берувчи қонуни* — 1:25 изоҳига қаранг.

2:21 *Иброҳим* — Ибтидо 22:1-18 га қаранг.

2:23 Ибтидо 15:6 га қаранг.

2:23 *Иброҳим Худонинг дўсти деб аталди* — 2 Солномалар 20:7, Ишаё 41:8 га қаранг.

2:25 *Раҳоба* — Ёшуа 2:1-21, 6:23-24 га қаранг.

4:6 Муаллиф бу ўринда Ҳикматлар 3:34 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

5:11 *Аюб* — Аюб 2:10, 42:10-16 га қаранг.

5:14 *...беморнинг бошига зайтун мойини суртсинлар* — зайтун мойи қадимги пайтларда малҳам сифатида ишлатиларди. У оғриқ қолдириб, терини қуриб кетишдан сақлар эди (Ишаё 1:6, Луқо 10:34 га қаранг). Бу ўринда мой Худонинг шифо бериш қудрати рамзи сифатида касал одамга суртилган бўлиши мумкин.

5:17 *Илёс* — 3 Шоҳлар 17:1, 18:1, 41-45 га қаранг.

БУТРУСНИНГ
БИРИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масиҳнинг шогирди ҳаворий Бутрусдир. Бутрус ушбу мактубини Рим империясига қарашли тўртта вилоятда* яшаган, жамият томонидан аёвсиз таъқиб қилинган масиҳийларга ёзган. Биринчи асрда масиҳий бўлиш дегани, албатта, қувғинларга дучор бўлиб, ҳар хил азобларга бардош бериб яшаш дегани эди.

Муаллиф ўз мактубида ўша имонлиларга далда ва тасалли беради. Қувғинларга қарамай, уларни имонда собит туришга ундайди. У Худонинг меҳрибонлиги ҳақида сўз юритади. Исо Масиҳнинг ўлими ва тирилиши туфайли масиҳийлар бебаҳо умидга сазовор бўлганлари ҳақида баён қилади. Сўнг улар жамиятда ўзларини қандай тутишлари кераклигини айтади, Раббимиз ҳақи давлат раҳбарига ва бошлиқларга бўйсуниш кераклигини уларга уқтиради. Муаллиф имонлиларнинг бутун эътиборини Масиҳга қаратади, Унинг бошдан кечирган азоблари ҳақида сўз юритар экан, имонлиларни Масиҳдан ибрат олишга, ёмонликка ёмонлик қайтармай, ҳаммани дуо қилишга чақиради.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Исо Масиҳнинг ҳаворийси мен — Бутрусдан Худонинг танланган халқига
салом! Эй Худонинг азиз халқи, сизлар бу дунёда мусофир бўлиб яшаяпсизлар,
Понтус, Галатия, Каппадокия, Асия ва Битиния вилоятларига* тарқалиб
кетгансизлар, 2 аммо Отамиз Худо азалда қарор қилиб, сизларни танлаган эди.
Сизлар Исо Масиҳга итоат этишингиз ва Унинг тўкилган қони* орқали
покланишингиз учун Худо қудратли Руҳи билан сизларни Ўзига ажратиб олди.
Худонинг чексиз инояти ва тинчлиги сизларга ёр бўлсин.

Масиҳдаги умидимиз

3 Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин! У бизга беҳад
раҳм–шафқат кўрсатиб, янги ҳаёт берди. Исо Масиҳ ўликдан тирилиб, барҳаёт
бўлгани учун энди бизнинг умидимиз бор. 4 Шу боис Худо Ўз халқига атаган
қут–баракага биз кўз тикканмиз. Ҳа, самода сақланаётган бу абадий, сўлмас,
беғубор барака сизларни кутмоқда. 5 Охирзамонда ошкора бўладиган нажотдан
баҳраманд бўлишингиз учун Худо Ўз қудрати билан сизларни омон сақлайди.
Имонингиз туфайли У сизларни қўриқлайди. 6 Шунинг учун хурсанд бўлинглар!
Сизлар турли синовлар туфайли вақтинча қийналяпсизлар, шундай бўлса ҳам
қувонинглар. 7 Чунки синовлар имонингизнинг самимий эканлигини исботлаш
учун керакдир. Ҳатто йўқ бўлиб кетадиган олтин ҳам оловда тобланиб, синалади.
Сизнинг имонингиз эса олтиндан минг баробар қадрлироқдир. Исо Масиҳ
охиратда келганда синовдан ўтган имонингиз сизларга мақтов ва шон–шараф
келтиради. 8 Сизлар Масиҳни кўрмаган бўлсангиз ҳам, Уни яхши кўрасизлар.
Ҳозир ҳам Масиҳни кўрмай туриб, Унга ишоняпсизлар, қалбингиз сўз билан
ифодалаб бўлмайдиган ажойиб бир қувончга тўла. 9 Ахир, имонингиз туфайли
жонларингиз нажот топади.
10 Пайғамбарлар изланиб, бу нажотни чуқур ўрганганлар. Сизларга

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

бериладиган Худонинг иноятиҳақида каромат қилганлар. 11 Уларнинг қалбларида Масиҳнинг Руҳи бор эди. Бу Руҳ уларга Масиҳнинг чекадиган азоб–уқубатлари ва азоблар кетидан келадиган улуғворлиги ҳақида олдиндан маълум қилган эди. Бу воқеалар қачон ва қай тарзда юз беришини пайғамбарлар билмоқчи бўлар эдилар. 12 Аслида уларнинг бу изланишлари ўз манфаати учун эмас, балки сизларнинг манфаатингиз учун қилинганини Худо уларга аён этди. Пайғамбарлар эълон қилган нажот ҳақидаги Хушхабар сизнинг даврингизда амалга ошди. Бу Хушхабарни сизларга осмондан юборилган Муқаддас Руҳнинг қудратига тўлган одамлар баён этишди. Ҳатто фаришталар ҳам бу нажотнинг қай тарзда амалга ошишини интизорлик билан кутаётган эдилар.

Худога манзур ҳаёт кечиринглар

13 Хуллас, эс–ҳушингизни йиғиб олинглар, ҳушёр бўлинглар. Бутун умидингизни Худонинг иноятига боғланглар. Ахир, Исо Масиҳ охиратда келганда Худо сизларга иноят кўрсатиб, нажот беради. 14 Худога итоаткор фарзандлар бўлинглар, олдинги ғафлат пайтида сизларни қамраган эҳтиросларга қул бўлиб қолманглар. 15 Аксинча, бутун юриш–туришингизда муқаддас бўлинглар, зеро, сизларни даъват этган Худо муқаддасдир. 16 Ахир, Худонинг Ўзи: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман”*, деб айтган.

17 Сизлар Худога илтижо қилиб, Уни Ота деб атайсизлар. Аммо эсингизда тутинглар, Худо юз–хотирчилик қилмайди, У ҳар бир кишини қилган ишига яраша тақдирлайди ёки жазолайди. Шундай экан, бу дунёдаги мусофирчилик даврингизда Худодан қўрқиб яшанглар. 18-19 Зотан, сизлар ота–боболарингиздан ўрганган бемаъни турмуш тарзингиздан кумуш ёки олтинга ўхшаш ўткинчи нарсалар эвазига эмас, балки Масиҳнинг қимматбаҳо қони эвазига қутулгансизлар. Ахир, Масиҳ Худонинг бенуқсон қурбонлик Қўзисидир. 20 Худо Масиҳни дунё яратилишидан олдин бу хизмат учун тайинлади. Энди шу охирги кунларда эса Уни сизлар учун зоҳир қилди. 21 Сизлар Масиҳ орқали Худога ишонасизлар. Худо Масиҳни тирилтириб, улуғворликка эриштиргани учун ҳам сизлар имонингизда собит турибсиз, чин қалбдан Худога умид боғлагансиз.

22 Сизлар ҳақиқатга бўйсуниб*, гуноҳдан покланганингиз учун биродарларга самимий меҳр қўя оласизлар. Шундай экан, бир–бирингизни чин юракдан, ихлос билан яхши кўринглар. 23 Ахир, сизлар янгидан туғилгансизлар. Бу янги ҳаётни сизга фоний бандалар эмас, балки абадий ва ҳаётбахш Худонинг каломи ато этган. 24 Муқаддас битикларда шундай ёзилган:

> “Инсон зотининг ҳаммаси майсадай,
> Уларнинг шуҳрати дала гули кабидир.
> Ўтлар қурийди, гуллар сўлиб қолади.
> 25 Эгамизнинг каломи эса абадий туради.”*

Ана шу калом сизларга эълон қилинган Хушхабардир.

2–БОБ

Худонинг каломига интилинглар

1 Энди ҳар қандай ёмон ният, ҳийла–найранг, иккиюзламачилик, рашк–ҳасад ва ғийбатни ўзингиздан соқит қилинглар. 2 Янги туғилган чақалоқ соф она сутини тусагандай, сизлар ҳам Худо каломига ташна бўлинглар. Калом билан озиқланиб, улғайиб, нажотга эришинглар. 3 Ахир, сизлар Раббимиз Исонинг

мурувватидан баҳраманд бўлдингизлар.

Худонинг маъбади учун тирик тошлар

4 Инсонлар рад этган, лекин Худо қимматбаҳо деб танлаган тирик тошга —
Раббимиз Исога яқинлашинглар. 5 Шунда ўзларингиз ҳам тирик тошлардай
бўласизлар. Худо сизлардан руҳий маъбад барпо этади. Сизлар муқаддас
руҳонийлар бўлиб хизмат қиласизлар ва Исо Масиҳ орқали Худога мақбул руҳий
қурбонликлар келтирасизлар. 6 Зеро, Муқаддас битикларда Худо шундай деган:

“Мана, Мен жойлаштиряпман Қуддусда*
Танланган, қимматбаҳо тамал тошини*.
Унга таянган ҳеч бир инсон уятга қолмайди.”*

7 Сизлар — Масиҳга ишонганлар учун бу тош қимматбаҳодир. Аммо
ишонмаганларга Муқаддас битиклардаги шу сўзлар* тўғри келади:

“Бинокорлар рад этган тош
Бинонинг тамал тоши бўлди.
Баъзилар бу тошга қоқинади,
Унинг дастидан йиқилади.”

8 Имонсизлар Хушхабарни рад этиб, итоатсизлик қилганлари учун қоқинадилар.
Улар ана шу қисматга маҳкум бўлганлар.
9 Аммо сизлар — танланган бир насл, руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас қавм*,
Худонинг азиз халқисиз. Худо сизларни зулматдан Ўзининг ажойиб нурига
даъват этган, Унинг буюк ишларини эълон қилишингиз учун сизларни танлаган.
10 Сизлар бир вақтлар Худога бегона эдингизлар, энди эса Унинг халқисизлар. Бир
вақтлар Худонинг марҳаматидан бебаҳра эдингизлар, энди эса Ундан марҳамат
топдингизлар*.

Жамиятда Худога муносиб ҳаёт кечиринглар

11 Эй азизларим, сизлардан ўтиниб сўрайман, жонга қарши курашадиган нафс
эҳтиросларидан сақланинглар. Ахир, сизлар бу дунёда ғарибу мусофирсизлар.
12 Имонсизлар орасида Худога муносиб ҳаёт кечиринглар. Улар сизларни
ёмонликда айбласалар–да, эзгу ишларингизни кўриб, ким билсин, балки тавба
қилишар ва қиёмат куни Худони улуғлашар.
13 Инсонлар томонидан ўрнатилган ҳар қандай ҳокимиятга, Эгамиз
ҳақи–ҳурмати, бўйсуninглар. Олий ҳоким бўлган шоҳга* ҳам, 14 у тайинлаган
ҳокимларга ҳам итоат қилинглар. Зеро, ҳокимлар ёмонлик қилганларни жазолаш
учун, яхшилик қилганларни эса тақдирлаш учун тайинланган. 15 Сиз ҳақиқатни
билмаган нодон одамларнинг оғизларини қилган яхшилигингиз билан ёпинглар,
чунки бу Худонинг хоҳишидир. 16 Озод одамлардек яшанглар, аммо озодлик
ниқоби остида ёмонлик қилманглар. Худонинг қулларидай ҳаёт кечиринглар.
17 Ҳамма одамларни ҳурмат қилинглар. Имонли биродарларингизни яхши
кўринглар. Худодан қўрқинглар, давлат раҳбарига иззат–эҳтиром кўрсатинглар.
18 Эй қуллар, Худодан қўрққанингиз учун* хўжайинларга итоат қилинглар.
Нафақат меҳрибон ва мулойимларга, балки қаттиққўл хўжайинларга ҳам
бўйсуninглар. 19 Агар сизлар Худони мамнун қилмоқчи бўлиб, тўғри иш
қилсангиз–у, ноҳақ азобларга чидасангиз, Худони рози қилган бўласиз.
20 Борди–ю, қилган гуноҳингиз учун таёқ еб чидасангиз, бу сизга шараф
келтирармиди?! Аммо яхшилик қилиб туриб, ноҳақ азобларга чидасангиз,

Худонинг мақтовига сазовор бўласиз.

Масиҳдан ибрат олинглар

21 Ҳатто азоб чекканингизда ҳам Худо сизларни яхшилик қилишга даъват
этган. Масиҳ сизлар учун азоб чекиб, намуна бўлди. Унга тақлид қилинглар.
22 Ахир, У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чиқмаган*. 23 У
ҳақорат қилинганда ҳеч кимга ҳақорат билан жавоб қайтармади, азоб чекканда
ҳеч кимга таҳдид қилмади. Фақат одилона ҳукм қиладиган Худога Ўзини
топширди. 24 У гуноҳларимизни Ўзига олди, аъзои бадани ёғочда* азоб чекди. Шу
туфайли биз гуноҳ учун ўлганмиз ва солиҳ ҳаёт кечира оламиз. Унинг яраларидан
биз шифо топдик. 25 Илгари сизлар адашиб юрган чўпонсиз қўйларга ўхшар
эдингизлар, энди эса жонларингизнинг посбони бўлган Чўпонга* қайтиб
келдингизлар.

3–БОБ

Эр–хотинлик муносабатлари

1-2 Эгамиз ҳақи–ҳурмати, сиз, хотинлар, ўз эрларингизга бўйсунинглар.
Эрларингиз Хушхабарни рад этишса ҳам, уларга итоат этинглар. Сизнинг ибратли
хулқ–атворингиз ҳар қандай сўздан кўра, таъсирлироқ бўлади. Эрларингиз
покиза ҳаётингизни ва Худодан қўрқиб яшаётганингизни кўриб, имонга
келишади. 3 Сизнинг жозибангиз ўрилган сочлар, олтин тақинчоқлар, чиройли
кийимлар каби ташқи зеб–зийнатдан иборат бўлмасин. 4 Аммо қалбингиздаги
ювош ва сокин руҳ сизларнинг сўлмайдиган ички гўзаллигингиз бўлсин.
Худонинг назарида бундай гўзалликнинг қадри юксакдир. 5 Ўтмишда Худога умид
боғлаган муқаддас хотинлар ҳам ўзлари шу йўсинда безаниб, эрларига бўйсунар
эдилар. 6 Масалан, Сора* ҳам Иброҳимга итоат этиб, уни хўжайин деб атар эди.
Агар сизлар яхшилик қилиб, ҳар қандай қўрқувдан саросимага тушмасангиз,
Соранинг қизлари ҳисобланасизлар.

7 Эй эрлар, сизлар ҳам, Эгамиз ҳақи–ҳурмати, хотинларингизга эътиборли
бўлинглар, улар заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олинглар. Улар ҳам абадий
ҳаёт иноятидан баҳраманд бўлганлари учун уларни ҳурмат қилинглар. Акс ҳолда,
ибодатларингиз ижобат бўлмайди.

Ҳақиқат йўлида азоб чекиш ҳақида

8 Хуллас, ўзаро ҳамфикр, ҳамдард бўлинглар, бир–бирингизни биродарларча
яхши кўринглар, меҳр–шафқатли ва камтар бўлинглар. 9 Ёмонликка ёмонлик,
ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтарманглар, аксинча, ҳаммани дуо қилинглар.
Зеро, Худо сизларни шунга даъват этган. Буларга риоя қилсангиз, барака
топасизлар. 10 Ахир, Муқаддас битикларда шундай ёзилган:

“Кимки ҳаётдан завқланишни,
Бахтли умр кўришни истаса,
У тилини ёмон сўздан тийсин,
Оғзини ёлғон гапдан асрасин.
11 Ёмонликдан қайтиб, яхшилик қилсин.
Тинчлик истаб, тинчлик пайида бўлсин.
12 Чунки Эгамиз солиҳларни кузатиб туради,
Уларнинг илтижосини Эгамиз эшитади.
Бадкирдорлардан эса юз ўгиради*.”*

13 Агар яхшилик қилишга бел боғласангиз, ким ҳам сизларга озор бера
оларди?! 14 Ҳатто тўғри иш учун азоб чекаётган бўлсангиз ҳам, бахтиёрсизлар!
Дўқ–пўписа қилувчилардан қўрқманглар, ҳаяжонга тушманглар. 15 Қўрқувга тобе
бўлманглар, балки бутун қалбингиз билан Раббимиз Исо Масиҳнинг*
ҳокимиятига бўйсунинглар. Масиҳга бўлган умидингиз ҳақида сиздан сўраган ҳар
бир кишига жавоб беришга доимо тайёр туринглар. Лекин буни мулойимлик ва
ҳурмат билан бажо қилинглар. 16 Виждонингиз тоза бўлсин, токи Масиҳ йўлидаги
ибратли ҳаётингизни ёмонлаганлар ўз гапларидан уялиб қолсинлар.
17 Агар яхшилик қилиб азоб чекишингизни Худо лозим кўрса, ҳар ҳолда
ёмонлик қилиб азоб чекишдан бу афзалроқдир.

Масиҳ ёвузлик устидан ғалаба қозонди

18 Масиҳ бизни гуноҳларимиздан то абад фориғ қилиш учун азоб чекканини
ёдингизда тутинглар. У солиҳ бўла туриб, биз, гуноҳкорларни Худога
яқинлаштириш учун жонини фидо қилди. Уни жисман ўлдиришди, аммо У янги,
улуғвор ҳаёт учун тирилди*. 19 Сўнг зиндонга қамалган ёвуз руҳлар* олдига
бориб, улар устидан ғалаба қилганини эълон этди. 20 Қадим замонда бу руҳлар
Худога итоатсизлик қилиб, инсониятни йўлдан оздирганди. Аммо Худо сабр
қилди. Нуҳ* ўз кемасини қуриб бўлгунча Худо инсониятни ҳукм қилмай, кутиб
турди. Ўша кемага фақат саккизтагина одам кириб, тўфон сувларидан омон
қолганди. 21 Нуҳ ва унинг оиласи билан рўй берган бу ҳодиса биз учун тимсол
ҳисобланади. Бу тимсол бизнинг имонга келишимизни ва сувга
чўмдирилишимизни билдиради. Чўмдирилиш маросими баданни кирдан тозалаш
эмас, балки Худога: “Сенга содиқ қоламан”, деб чин юракдан ваъда бериш
демакдир. Дарҳақиқат, сизлар сувга чўмдирилганингизда, Исо Масиҳнинг
тирилиши туфайли нажот топдингизлар. 22 Масиҳ осмонга кўтарилиб, Худонинг
ўнг томонида ўтирибди*. Коинотдаги ҳар бир фаришта, ҳар қандай кучлару
ҳукмронлар Масиҳга тобедир.

4–БОБ

Худо йўлида яшаш

1 Масиҳ бу дунёда азоб чеккани каби, сизлар ҳам азоб чекишга тайёр
туринглар. Зотан, азоб чекишга рози бўлган киши гуноҳдан юз ўгирган бўлади.
2 Бундай одам қолган умрини нафсини қондиришга эмас, Худонинг иродасини
бажаришга бағишлайди. 3 Сизлар ўтмишда худосизлардай яшаганингиз етар. Ўша
вақтларда ахлоқсизлик, шаҳватпарастлик, майхўрлик, айш–ишрат, кайф–сафо,
разил бутпарастлик билан кун кечирардингизлар. 4 Энди эса атрофдагилар
сизларни кўриб, ҳайрон бўляптилар. Уларнинг ярамас қилмишларига
қўшилмаганингиз учун сизларни ҳақорат қиляптилар. 5 Аммо улар ўз
қилмишлари учун Худо олдида жавоб берадилар. Худо тиригу ўликларни ҳукм
этишга тайёр турибди. 6 Хушхабар нима сабабдан эълон қилинганини эсингизда
тутинглар. Тўғри, Хушхабарни эшитган кўп одамлар оламдан кўз юмди, чунки
ўлим бу дунёга гуноҳ натижасида кириб келди. Улар ҳам, бошқа инсонлар каби,
жисман ўлимга мубтало бўлишди. Бироқ бир кун келиб, Худо уларга улуғвор, янги
ҳаёт ато қилади*.
7 Охирзамон яқинлашиб қолди. Ақлингизни йиғиб, доим ҳушёрлик билан
ибодат қилинглар. 8 Аввалambор, бир–бирингизни чин юракдан яхши кўринглар.
Чунки севги кўп гуноҳларни ювади. 9 Нолимай, очиқ чеҳра билан бир–бирингизни
меҳмон қилинглар. 10 Худо сизларга берган инъомлар билан бир–бирингизга

хизмат қилинглар. Худонинг бу бой эҳсонларидан оқилона фойдаланинглар.
11 Ваъзхонмисиз? Шундай ваъз қилингки, гўё сиз орқали Худонинг Ўзи
гапиргандай бўлсин. Хизматчимисиз? Худонинг берган кучига мувофиқ хизмат
қилинг. Токи Исо Масиҳ орқали Худо ҳар бир ишингизда ва ҳар бир сўзингизда
улуғлансин. Қудратли Худога абадулабад шон–шарафлар бўлсин. Омин.

Масиҳ учун азоб чекиш

12 Эй азизларим, худди ғайритабиий ҳодиса юз бергандай, бошингизга тушган
оғир синовлардан ҳайрон бўлманглар. 13 Аксинча, Масиҳнинг азобларига шерик
бўлганингиздан хурсанд бўлинглар! Шундай қилсангиз, У охиратда улуғворликка
бурканиб келганда, қалбингиз янада кўпроқ қувончга тўлади. 14 Агар сизларни
Масиҳга тегишли бўлганингиз учун ҳақорат қилишса, бахтлисизлар! Ахир,
Худонинг Руҳи сизларга мадад беради. У сизларни Худонинг улуғворлигидан
баҳраманд қилади*. 15 Орангизда ҳеч ким қотил, ўғри, бадкирдор ёки жанжалкаш
одам сифатида азоб чекмасин. 16 Аммо масиҳий бўлганингиз учун азоб чексангиз,
бундан уялманг, аксинча, сизларни бундай номга сазовор қилган Худони
улуғланг.
17 Худо дунёни ҳукм қиладиган вақт келди. У ҳукмини Ўз хонадонидан
бошлайди. Агар биз биринчи навбатда ҳукм қилинадиган бўлсак, унда
Хушхабарни рад этиб, Худога итоат қилмаганларнинг охирати нима бўлади?
18 Агар солиҳ одам зўрға қутулса, бетавфиқ гуноҳкорнинг ҳоли не кечади?*
19 Шундай экан, Худонинг иродасига кўра, азоб чекаётган бўлсангиз, яхшилик
қилишда давом этинглар, ўзингизни содиқ Яратувчига топширинглар.

5–БОБ

Оқсоқолларга ва ёшларга насиҳат

1 Эй жамоат оқсоқоллари, энди сизларга бир насиҳатим бор. Мен ҳам сизларга
ўхшаган оқсоқолман. Масиҳ чеккан азоблари ҳақида шаҳодат берувчи ва Унинг
зоҳир бўладиган улуғворлигининг иштирокчиси сифатида мен сизлардан
ўтинаман: 2 Назоратингиздаги Худонинг сурувини яхши боқинглар. Бу хизматни
мажбурият юзасидан эмас, балки чин кўнгилдан, Худога манзур тарзда
бажаринглар. Шунчаки пулпарастлик мақсадида эмас, самимият билан ижро
этинглар. 3 Қўлингиз остидаги сурувга ўз ҳукмингизни ўтказмай, уларга ўрнак
бўлинглар. 4 Ана шунда, Бош Чўпонимиз — Масиҳ зоҳир бўлганда, сизларга
сўлмас, улуғворлик тожи берилади.
5 Эй ёшлар, оқсоқолларга итоат этинглар. Ҳаммангиз — ёшмисиз, қаримисиз,
ўзингизни камтар тутиб, бир–бирингизга хизмат қилинглар. Зеро, “Худо
мағрурларга қарши чиқади, камтарларга эса иноят кўрсатади.”* 6 Шундай экан,
Худонинг қудратли қўли остида ўзингизни паст тутинглар. У Ўз вақтида
сизларни юксалтиради. 7 Барча ташвишингизни Худога топширинглар, чунки У
ҳамиша сизларга ғамхўрлик қилади.
8 Ҳушёр ва бедор бўлинглар! Душманингиз бўлган иблис шердай бўкириб,
бировни ютиб юбориш учун изғиб юрибди. 9 Иблисга мустаҳкам имон билан
қарши туринглар. Шуни билингларки, бутун дунёдаги имонли биродарларингиз
сизлар каби, азобларга дучор бўлмоқдалар. 10 Гарчи сизлар бу қисқа ҳаётда азоб
чекиб яшасангизлар ҳам, Худонинг Ўзи сизларга мадад бериб, барчангизни
баркамол, саботли, куч–қудратли ва мустаҳкам қилади. Ахир, иноятга бой Худо
Исо Масиҳ орқали сизларни Ўзининг абадий улуғворлигига шерик қилиш учун
даъват этган. 11 Қудратли Худога абадулабад ҳамдлар бўлсин. Омин.

Сўнгги саломлар

12 Мен бу қисқа мактубимни Силаснинг* ёрдами билан ёздим. Уни ишончли
биродар деб биламан. Мактубимда сизларга насиҳат қилиб, Худонинг ҳақиқий
иноятиҳақида ёздим. Имонда собит қолишингиз учун Унинг бу иноятига
таянинглар.
13 Сизлар каби Бобилдаги* танланган имонлилар жамоати ва менга ўғилдай
бўлиб қолган Марк* сизларга салом йўлламоқдалар.
14 Бир–бирингизга меҳр–муҳаббат кўрсатиб, ўпишиб кўришинглар. Масиҳга
тегишли бўлган ҳаммаларингиз тинч–омон бўлинглар*.

ИЗОҲЛАР

Рим империясига қарашли тўртта вилоят — 1:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

1:1 *Понтус…Битиния вилоятлари* — Рим империясига қарашли бўлган тўртта вилоят, Понтус ва Битиния бир вилоятни ташкил қилган. Бу вилоятлар ҳозирги Туркия ҳудудида эди. Ҳосил байрамида Қуддусга ўша вилоятлардан бир нечта одамлар келган (Ҳаворийлар 2:5-11 га қаранг). Павлус мана шу вилоятларнинг баъзиларида Хушхабарни эълон қилган (Ҳаворийлар 16:6, 18:23, 19:10, 26 га қаранг).

1:2 *Унинг тўкилган қони* — юнонча матнда *Унинг сепилган қони*. Ибронийлар 9:11-21, 10:19-22 га қаранг.

1:16 Левилар 11:44-45, 19:2 га қаранг.

1:22 *Сизлар ҳақиқатга бўйсуниб…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Муқаддас Руҳ орқали сизлар ҳақиқатга бўйсуниб*.

1:24-25 Муаллиф бу ўринда Ишаё 40:6-8 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

2:6 *Қуддус* — юнонча матнда *Сион*. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

2:6 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

2:6 Муаллиф бу ўринда Ишаё 28:16 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

2:7 *Муқаддас битиклардаги шу сўзлар* — бу ўринда Бутрус Забур 117:22, Ишаё 8:14 ни назарда тутган.

2:9 *руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас қавм* — Чиқиш 19:6 га қаранг. Яна Ишаё 61:6, Ваҳий 1:6, 5:9-10, 20:5-6 га қаранг.

2:10 *Сизлар…Ундан марҳамат топдингизлар* — бу ўринда Бутрус Хўшея 1:6, 9-10, 2:23 ни назарда тутган.

2:13 *Олий ҳоким бўлган шоҳ* — ўша пайтдаги Рим императори.

2:18 *…Худодан қўрққанингиз учун…* — ёки *…камоли эҳтиром билан…*.

2:22 *…У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чиқмаган…* — шу бобнинг 22-25–оятларида Бутрус Ишаё 53:5-7, 9, 12 ни назарда тутган.

2:24 *ёғоч* — Бутрус хочга ишора қилиб, Қонунлар 21:23 даги *ёғочга қоқилган одам Худо томонидан лаънатлангандир* деган гапни тингловчиларига эслатмоқчи бўлган.

2:25 *Чўпон* — яъни Исо Масиҳ (Юҳанно 10:11-16, Ибронийлар 13:20 га қаранг).

3:6 *Сора* — Ибтидо 18:12 га қаранг.

3:12 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар охирги мисра сифатида қўшимча қилинган: *Уларнинг хотирасини ер юзидан ўчиради*.

3:10-12 Забур 33:13-17 га қаранг.

3:15 *Исо Масиҳ* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худо*.

3:18 *...У янги, улуғвор ҳаёт учун тирилди* — юнонча матнда *...У руҳда тирилган*. Бу ўринда *руҳда* сўзи инсоннинг тирилган танадаги янги ҳолатига ишора қилади.

3:19 *зиндонга қамалган ёвуз руҳлар* — қилмишлари учун жазоланган илоҳий зотларга ишора бўлиши мумкин, бу зотлар ҳақида Ибтидо 6:1-4 да ёзилган (шу бобнинг 20–оятига қаранг). Яна 2 Бутрус 2:4, Яҳудо 6-7–оятларга қаранг.

3:20 *Нуҳ* — Ибтидо 6:5-7:23 га қаранг.

3:22 *...Худонинг ўнг томонида ўтирибди* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

4:6 *...Худо уларга улуғвор, янги ҳаёт ато қилади* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *...улар руҳда Худога муносиб равишда ҳаёт кечирадилар*. Бу ўринда *руҳда* сўзи Худо билан муносабат қилиб кечириладиган янги ҳаёт тарзига ишора қилади.

4:14 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Уларга қолса, Руҳни ҳақорат қиладилар, сизларда эса Руҳ шарафланади*.

4:18 *Агар солиҳ одам зўрға қутулса, бетавфиқу гуноҳкорнинг ҳоли не кечади?* — муаллиф бу ўринда Ҳикматлар 11:31 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

5:5 Муаллиф бу ўринда Ҳикматлар 3:34 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

5:12 *Силас* — юнонча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Силванус*. Силас илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафарида унга ҳамроҳ эди (Ҳаворийлар 15:22, 32, 36-41 га қаранг).

5:13 *Бобил* — Эски Аҳд даврида Бобил шаҳри қудратли империянинг пойтахти эди. Худонинг халқи у ерга сургун қилинган. Ушбу китоб ёзилган пайтда имонлилар Бобил номини баъзан Римга нисбатан ишлатар эдилар. Рим ўша даврда ҳукмрон бўлган империянинг пойтахти эди. Бутрус бу номни рамзий маънода ишлатаётган бўлиши мумкин. Анъанага кўра, Бутрус умрининг сўнгги йилларини Римда ўтказган ва ўша ерда имони учун қатл қилинган.

5:13 *Марк* — Марк баён этган муқаддас Хушхабарнинг муаллифи. Марк ҳаворий Бутруснинг ҳамкори бўлган ва унинг таълимоти ва ваъзларига асосланган ҳолда Хушхабарни баён қилган. У Қуддус шаҳридан эди (Ҳаворийлар 12:12, 25, 13:5, 15:37-39, 2 Тимўтий 4:11 га қаранг).

5:14 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

БУТРУСНИНГ
ИККИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масиҳнинг шогирди ҳаворий Бутрусдир. Бутрус биринчи мактубида жамоат бошига тушган қувғинлар ҳақида ёзиб, имонлиларни бардошли бўлишга чақиради. Иккинчи мактубида у сохта устозлар дастидан жамоатда юзага келган ички низолар ва ахлоқсизлик ҳақида сўз юритади.

Бутрус масиҳийларни Худога муносиб ҳаёт кечиришга, имонни фазлу камолот ва илму маърифат билан бойитишга чорлайди. Масиҳийларнинг фазилатлари ва хислатларига алоҳида урғу беради.

Мазкур мактуб ёзилган даврда имонлилар жамоати орасига сохта устозлар кириб олиб, масиҳийларни йўлдан оздираётган эди. Бутрус ўқувчиларни ўшандай устозлардан узоқроқ юриш ҳақида огоҳлантиради ва ўша ёлғончилар албатта жазо олишларини таъкидлаб ўтади.

Сохта устозлар охиратда ўз жазосини олишга ишонмаганлари ва Масиҳнинг келишини рад этганлари боис, Бутрус Раббимизнинг келадиган куни ҳақидаги мавзуни батафсил ёритади. Шу билан бир қаторда у Раббимизнинг келишига кўз тутган одамларга далда беради. Уларни беғубор ва бенуқсон ҳаёт кечиришга, Худога содиқ қолишга ва имонда камол топишга чақиради.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Исо Масиҳнинг қули ва ҳаворийси мен — Шимўн Бутрусдан* биз каби қадрли
бир имонга эга бўлган биродарларга салом! Худойимиз ва нажоткоримиз Исо
Масиҳ одил бўлгани учун ҳаммамизга бирдай барака берган. 2 Сизлар Худони ва
Раббимиз Исони таниб–билар экансиз, Худонинг чексиз иноятиви тинчлиги доим
сизларга ёр бўлсин.

Масиҳнинг даъватига муносиб бўлинглар

3 Раббимиз Исо Ўз улуғворлиги ва эзгулиги ила бизни даъват этиб, Ўзини
бизга танитди. Энди биз Худога муносиб ҳаёт кечира оламиз, чунки Раббимиз
илоҳий қудрати билан бизга зарур бўлган барча фазилатларни ато этди.
4 Масиҳнинг шарофати билан биз Худо ваъда қилган баракаларни олдик. Энди
сизлар бузғунчи эҳтиросларидастидан авж олган бу дунёнинг ахлоқсизлигидан
қочиб, Худонинг илоҳий табиатидан баҳраманд бўла оласизлар.
5 Буларни ёдингизда тутиб, Худога муносиб ҳаёт кечириш учун жон
куйдиринглар. Имонингизни фазлу камолот, илму маърифат, 6 вазминлик,
сабр–тоқат, диёнат, 7 биродарларингизга бўлган меҳр–оқибат ва тугал муҳаббат
билан бойитинглар. 8 Агар бу хислатларга эга бўлиб, уларни камол топтираётган
бўлсангиз, демак, Раббимиз Исо Масиҳни ҳақиқатан таниб–билган бўласиз.
Кунларингиз беҳуда ўтмаган бўлади, Масиҳни билганингиз ҳаётингизда ўз
самарасини беради. 9 Бу хислатларга эга бўлмаганлар эса калтабин ва кўрдирлар,
улар аввалги гуноҳларидан поклангани ни унутганлар.
10 Шундай экан, эй биродарларим, Масиҳ сизларни танлаганини ва даъват
этганини тасдиқлашга астойдил ҳаракат қилинглар. Айтилган хислатларга эга
бўлсангиз, имондан қайтмайсизлар. 11 Шунда Раббимиз ва нажоткоримиз Исо

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Масиҳ сизларга Ўзининг абадий Шоҳлиги эшикларини кенг очиб беради.
12 Сизлар айтганларимнинг ҳаммасини биласизлар, ўзларингиз Масиҳ ҳақида
ўрганган ҳақиқатда собит турибсизлар. Шунга қарамай, буларни сизларга доимо
эслатиб туришни хоҳлайман. 13 Тирик эканман, буларни ёдингизга солиб
туришни канда қилмайман. Бу мен учун фарз, 14 чунки ҳадемай бу оламдан кўз
юмишимни биламан. Раббимиз Исо Масиҳнинг Ўзи буни менга маълум қилган.
15 Бу дунёдан ўтиб кетганимдан кейин ҳам, сизлар айтганларимни эсда
сақланглар, деб мен бу мавзуни қўлимдан келганча батафсил ёритиб беришга
ҳаракат қилдим.

Масиҳнинг келиши афсона эмас

16 Раббимиз Исо Масиҳнинг куч–қудрат билан келиши афсона эмас. Биз
сизларга ўргатган бу таълимотни ўзимиз тўқиб чиқармадик. Ахир, Масиҳнинг
улуғворлигини ўз кўзимиз билан кўрган эдик. 17-18 Отамиз Худо муқаддас тоғда*
Масиҳни шон–шараф ила юксалтирганда, биз ўша ерда эдик. Маҳобатли ва
улуғвор Худонинг самодан: “Бу Менинг севикли Ўғлимдир*, Ундан мамнунман*”,
— деган овозини эшитган эдик.
19 Бундан ташқари, биз пайғамбарларнинг башоратларига тўлиқ ишонамиз.
Сизлар ҳам уларнинг сўзларига диққат этсангизлар, яхши қилган бўласизлар.
Зеро, бу сўзлар Масиҳ келадиган кунгача сизлар учун гўё зулматда нур сочиб
турган чироқдай бўлади. Сўнг Масиҳнинг Ўзи келади. Унинг келиши тонг юлдузи
каби бўлиб, янги замоннинг бошланишидан дарак беради, Масиҳнинг нури
қалбларингизни ёритади. 20 Энг аввало, шуни билингларки, Муқаддас
битиклардаги башоратларнинг ҳеч бири пайғамбарларнинг шахсий талқини
эмас. 21 Ҳеч бир ҳақиқий пайғамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат
қилган эмас. Бу пайғамбарлар Муқаддас Руҳ томонидан бошқарилиб, Худонинг
сўзларини гапирганлар.

2–БОБ

Сохта устозларнинг гуноҳи ва жазоси

1 Исроил халқи орасида сохта пайғамбарлар бўлгани каби, сизларнинг
орангизда ҳам сохта устозлар бўлади. Улар найранг ишлатиб, орангизда
ҳалокатли бидъатлар тарқатадилар. Ҳатто уларнинг жонларини сотиб олган
Хўжайинини ҳам рад этиб, бу билан ўзларини муқаррар кулфатга
йўлиқтирадилар. 2 Кўп одамлар уларга тақлид қилиб, ахлоқсиз ҳаёт кечирадилар.
Уларнинг дастидан имонсизлар ҳақиқат йўлини ёмонлайдилар. 3 Бу тамагир
устозлар тўқиб чиқарган гаплари билан сизларни йўлдан оздирадилар, сўнг
пулингизни шилиб оладилар. Аммо Худо бундай одамларни анча олдин ўлимга
маҳкум қилиб қўйган. У мудрамайди, уларнинг ҳалокатини кечиктирмайди.
4 Худо ҳатто гуноҳ қилган фаришталарни* ҳам аямаган. Қиёмат кунигача
уларни тубсиз чуқурликдаги зулматга занжирбанд қилиб қўйган. 5 Худо қадимги
дунёни ҳам аямай, бетавфиқлар устига тўфон келтирди. У фақат солиҳлик
жарчиси бўлган Нуҳни* ва бошқа етти кишини омон сақлади. 6 Худо Садўм ва
Ғамўра шаҳарларини* ҳалокатга маҳкум этди. Худосизларга сабоқ бўлсин деб, бу
шаҳарларни куйдириб кул қилди. 7 Бебош одамларнинг ўтакетган
ахлоқсизликларидан азоб чеккан солиҳ Лутни* эса қутқарди. 8 Ўша халқ орасида
яшаган бу солиҳ одам ҳар куни уларнинг қабиҳ ишларини кўриб эшитгани учун
ичидан эзилиб қийналар эди. 9 Бу мисоллар қуйидагиларни англатади: Эгамиз
тақводорларни кулфатлардан қутқара олади, бетавфиқларни эса қиёмат

кунидаги азоблар учун сақлайди. 10 Айниқса, шаҳвоний ҳирсга берилиб, ўз танасини булғатувчи, илоҳий ҳокимиятни эса рад қилувчи одамларни У жазолайди.

Дарвоқе, орангиздаги сохта устозлар ҳам илоҳий ҳокимиятни рад қиляптилар, улар сурбет ва такаббурдирлар. Улар самовий мавжудотлардан* қўрқмайдилар, уларни назарга ҳам илмайдилар. 11 Фаришталар ўша ёвуз мавжудотлардан кучлироқ ва қудратлироқ бўлишларига қарамай, Эгамизнинг ҳузурида мавжудотларни ҳақоратламайдилар, ҳукм ҳам қилмайдилар. 12 Аммо бу сохта устозлар ёввойи ҳайвонларга ўхшайдилар, улар фақат туғма ҳис–туйғуларига берилиб яшайдилар. Ўзлари англаб етмайдиган ёвуз мавжудотларни менсимай юрибдилар. Бироқ улар ўша мавжудотлар билан бирга ҳалок бўладилар, ҳайвонлар сингари овланиб, йўқ қилинадилар.

13 Сохта устозларнинг қилган ноҳақликлари ўзларининг бошига етади. Ахир, улар куппа–кундузи айш–ишрат қилишни хуш кўрадилар, жамоатингиз шаънига доғ туширадилар. Сизлар таом ейиш учун бирга йиғилганингизда, Раббимиз Исони хотирлаш учун нон синдирганингизда, улар орангизда ўтириб, кайфу сафо қиладилар. Бузуқлиги билан бошқаларни йўлдан урадилар. 14 Кўзлари доимо шаҳват билан ёнади, гуноҳ қилиб тўймайдилар. Улар имонда суст кишиларни овлаб, йўлдан оздирадилар. Бу сохта устозлар истаган нарсасини ундириб олишга устаси фарангдирлар. Эҳ, лаънатга учрагурлар! 15 Улар тўғри йўлни тарк этдилар, Бавўр ўғли Балом* йўлидан бориб, гумроҳ бўлдилар. Балом ҳаром йўл билан пул топишни хуш кўрганди. 16 Лекин бу гуноҳи учун таъзирини еди. Тилсиз эшак тилга кириб, инсон овози билан пайғамбарнинг аҳмоқлигига чек қўйди.

17 Бу сохта устозлар бамисоли сувсиз қудуқдирлар, шамолда тез ғойиб бўладиган туман кабидирлар. Улар учун тим қоронғи зулмат тайёрлаб қўйилган. 18 Чунки улар нотўғри йўлдан зўрға қочиб қутулган имонлиларни яна ахлоқсизлик домига тортадилар. Дабдабали, аммо тентаксимон гаплари билан уларни авраб, нафсларини қўзғатадилар. 19 Уларга: “Эркин бўласизлар”, дея ваъда берадилар, ҳолбуки, ўзлари гуноҳ қулидирлар. Ахир, одам нимадан енгилса, ўшанинг қули бўлар, деб бежиз айтилмаган.

20 Раббимизу нажоткоримиз бўлган Исо Масиҳни таниб, дунёнинг қабоҳатларидан қочиб қутулган одамлар яна эски қилиқларига қайтиб, қабиҳликка мағлуб бўлишса, уларнинг сўнгги аҳволи олдингидан ҳам баттар бўлади. 21 Солиҳлик йўлини билгандан кейин, уларга топширилган муқаддас амрлардан юз ўгиргандан кўра, бу йўлни ҳеч билмагани ўзлари учун яхшироқ бўлар эди. 22 Бундай одамларга мана шу мақол айнан тўғри келади:

> “Ит ўз қусуғига қайтар*,
> Ювилган чўчқа эса балчиққа.”

3–БОБ

Исонинг оламга келиши муқаррардир

1 Эй азизларим, бу менинг сизларга ёзаётган иккинчи мактубимдир. Иккала мактубимда ҳам сизларда пок фикр уйғотишга ҳаракат қилиб, ўрганганларингизни ёдингизга солмоқчи бўлдим. 2 Хусусан, Муқаддас пайғамбарларнинг ўтмишда айтган сўзларини, шунингдек, Раббимиз ва нажоткоримиз Исонинг амрларини эслашингизни истадим. Раббимиз Исо бу амрларни олдингизга борган ҳаворийлар орқали берган.

3 Аввало, шуни билинглар: охирги кунларда шундай мазахчилар бўладики,
улар чиркин эҳтиросларига берилиб яшайдилар. Сизларни мазах қилиб, 4 шундай
дейдилар: “Раббимиз Исо келаман деб, сўз берган эди. Қани У?! Мана,
ота–боболаримиз дунёдан ўтиб кетганларидан бери, ҳеч нарса ўзгармади. Дунё
бино бўлганидан бери, ҳамма нарса шундайлигича турибди.”
5 Улар ҳақиқатни рад этганлари учун шундай гапирадилар, азалда Худо еру
осмонни Ўз каломи орқали яратганини улар инобатга олмайдилар. Ўшанда Худо
еру осмонни сувлар орасидан пайдо қилганди. 6 Сўнг эса Ўз каломи орқали
қадимги дунёни ўша сувлар гирдобига чўктирганди. 7 Ҳозирги еру осмонни эса
Худо Ўз каломи билан қиёмат кунигача асраб турибди. Қиёмат куни У ҳозирги
дунёни оловга ем қилиб, барча бетавфиқларни ҳалок этади.
8 Эй азизларим, Раббимиз Исонинг назарида бир кун минг йил ва минг йил бир
кун кабидир, буни доим инобатга олинглар. 9 Баъзилар Раббимиз келмаяпти,
берган ваъдасини бажаришга У кечикяпти, деб ўйламоқда. Аслида ундай эмас, У
сабр–тоқат қиляпти, чунки ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини истамай, ҳамманинг
тавба қилишини хоҳлаяпти.
10 Аслида, Раббимиз Исо, ўғри келгандай, ногаҳон келиб қолади. Ўша куни
осмон гувиллаб ёниб, ғойиб бўлади, самовий жисмлар олов тафтидан куйиб
кетади, шунда ер ва унда қилинган ҳар бир иш очиқдан–очиқ ошкор бўлиб, ҳукм
этилади*. 11 Қиёмат куни бутун борлиқ ёниб, йўқ бўлиб кетар экан, сизлар Худони
мамнун қилишга жон куйдиринглар! Муқаддас ҳаёт кечиришга жон–жаҳдингиз
билан ҳаракат қилинглар. 12 Худонинг кунини интизорлик билан кутинглар,
унинг келишини тезлаштиринглар! Ўша куни осмон ёниб, йўқ бўлади, самовий
жисмлар олов тафтидан эриб кетади. 13 Шундан сўнг Худонинг ваъдаси амалга
ошиб, ҳамма нарса янгиланади*. Ҳа, биз янги еру осмонга, адолат ҳукм сурадиган
дунёга кўз тикканмиз.

Далда ва огоҳлантириш

14 Эй азизларим, сизлар янги дунёни кутар экансиз, Худо назарида бенуқсон ва
беғубор бўлишга, У билан тотув яшашга жон куйдиринглар. 15 Раббимиз Исонинг
сабр–тоқатини нажот учун имконият деб билинглар. Азиз биродаримиз Павлус
ҳам Худонинг берган донолиги билан сизларга муқаддас ҳаёт ва Раббимизнинг
келиши ҳақида ёзган. 16 Павлус барча мактубларида булар ҳақида фикр юритган.
Унинг мактубларидаги тушуниш қийин бўлган баъзи парчаларни уқувсиз ва
имони суст кишилар бузиб талқин қиладилар. Муқаддас битикларнинг бошқа
жойларини ҳам бузиб ўргатадиган бу кишилар ўз бошини ўзи ейдилар.
17 Эй азизларим, сизлар буларнинг ҳаммасини олдиндан биласизлар. Эҳтиёт
бўлинглар, бу бебош одамларнинг сохта таълимотига ишониб йўлдан озманглар,
қароингизда собит бўлинглар. 18 Ўз ҳаётингиз билан Худони мамнун этинглар,
Раббимиз ва нажоткоримиз Исо Масиҳни янада яқинроқ таниб–билинглар.
Ҳозирдан то абад Унга шон–шарафлар бўлсин! Омин.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Шимўн Бутрус* — Исо Масиҳ Шимўнга Бутрус исмини берган эди (Марк 3:16, Луқо 6:14 га қаранг). Баъзан иккала исм, Шимўн Бутрус, биргаликда ишлатилган.

1:17-18 *...муқаддас тоғда...* — Матто 17:1-8 га қаранг.

1:17-18 *Бу Менинг севикли Ўғлимдир* — Забур 2:7 га қаранг.

1:17-18 *Ундан мамнунман* — Ишаё 42:1 га қаранг.

2:4 *гуноҳ қилган фаришталар* — қилмишлари учун жазоланган илоҳий зотларга ишора бўлиши мумкин, бу зотлар ҳақида Ибтидо 6:1-4 да ёзилган. Яна 1 Бутрус 3:19-20, Яҳудо 6-7–оятларга қаранг.

2:5 *Нуҳ* — Ибтидо 6:5-7:24 га қаранг.

2:6 *Садўм ва Ғамўра шаҳарлари* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

2:7 *Лут* — Ибтидо 19:1-29 га қаранг.

2:10 *самовий мавжудотлар* — ёвузлик ва қабиҳликка юз тутган фаришталарга ишора. Баъзан бу фаришталар ёвуз руҳлар ёки жинлар деб ҳам аталади. Яна Яҳудо 8-10–оятларга қаранг.

2:15 *Балом* — Мўаб ва Мидиён халқлари билан қилган ҳамкорлиги учун Исроил халқининг душмани ҳисобланган эди (Саҳрода 22:4-35, 25:1-5, 16-18, 31:16, Ёшуа 13:22, 24:9-10, Ваҳий 2:14 га қаранг).

2:22 *Ит ўз қусуғига қайтар...* — Ҳикматлар 26:11 га қаранг.

3:10 *...очиқдан–очиқ ошкор бўлиб, ҳукм этилади* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *куйиб битади*.

3:13 *...Худонинг ваъдаси амалга ошиб, ҳамма нарса янгиланади* — Ишаё 65:17 га қаранг. Яна Римликлар 8:19-21, Ваҳий 21:1-5 га қаранг.

ЮҲАННОНИНГ
БИРИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масиҳнинг шогирди Юҳаннодир. Муаллиф, бу мактубдан ташқари, “Юҳанно баён этган Хушхабар”, “Юҳаннонинг иккинчи мактуби”, “Юҳаннонинг учинчи мактуби” ва “Ваҳий” китобларини ҳам ёзган.

Юҳанно бу мактуби орқали имонлиларни Худо билан алоқада бўлишга, нурда яшашга, гуноҳ қилмасликка, бир–бирларига нисбатан меҳр–оқибатли бўлишга ундайди. Улар абадий ҳаётга эга эканлигини эслатади. Шунингдек, масиҳийларни сохта пайғамбарларнинг ёлғон таълимоти ҳақида огоҳлантиради. Чунки бу ёлғон таълимот дастидан кўп имонлилар гумроҳ бўлиб, Худодан узоқлашган эдилар.

Сохта пайғамбарларнинг бу таълимотига кўра, моддий дунё билан бўлган ҳар қандай алоқа ёмонликни келтириб чиқарар эмиш. Сохта пайғамбарлар жисмоний танани ҳам моддият туфайли булғанган деб билганлари учун, Масиҳ*, яъни Худонинг Ўғли инсон бўлиб келмаган*, деб айтишган. Улар, руҳий ҳаёт билан моддий дунё орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, шунинг учун нажот топган одам дунё ташвишларидан холи равишда, меҳр–оқибат ва одоб–ахлоқ қоидаларига эътибор бермасдан яшаши керак деган ғояни илгари суришган.

Юҳанно бу сохта таълимотни фош этиб, Масиҳ ҳақиқий инсон бўлганини таъкидлайди, шу билан бир қаторда, Худони севган ҳамма одамларни бир–бирларига меҳр–оқибатли бўлишга чақиради.

1–БОБ

Муқаддима: Ҳаёт каломи

1 Бошидан аён бўлган Ҳаёт каломи* ҳақида биз сизларга хабар бермоқчимиз. Кўриб эшитганларимизни, ҳа, ўз кўзимиз билан кўриб, ўз қўлларимиз билан пайпаслаб кўрганларимизни* сизларга маълум қилмоқчимиз. 2 Отамиз Худонинг ҳузурида бўлган Ҳаёт бизга ошкор бўлди! Биз бу абадий Ҳаётни кўриб, энди У ҳақда сизларга шоҳидлик қиляпмиз. 3 Кўрган–эшитганларимизни маълум қилиш орқали сизлар билан биродар бўлиб яшамоқчимиз. Зеро, ўзимиз ҳам Отамиз Худо ва Унинг Ўғли Исо Масиҳ билан яшаяпмиз. 4 Буларни сизларга қалбимиз* шодликка тўлсин деб, ёзяпмиз.

Нурда яшаш тўғрисида

5 Биз Исо Масиҳдан эшитиб, сизларга етказаётган Хушхабаримиз шундан иборат: Худо — нур, Унда ҳеч қандай зулмат йўқ. 6 Агар биз Худо билан яшаяпмиз деб туриб, олдингидай зулматда яшасак, ёлғон гапириб, ҳақиқатга хилоф иш қилган бўламиз. 7 Борди–ю, Худо сингари нурда яшасак, биз биродарларимиз билан уйғунликда яшаймиз ва Худо Ўз Ўғли Исонинг қони орқали бизни ҳар қандай гуноҳдан поклайди.

8 Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат бўлмайди. 9 Борди–ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содиқ ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилади.

10 Агар гуноҳ қилганимиз йўқ десак, Худони ёлғончига чиқарган бўламиз. Демак, Унинг каломи қалбимиздан жой олмаган бўлади.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

2–БОБ

1 Азиз болаларим*, гуноҳ қилманглар деб, мен сизларга шуларни ёзяпман.
Борди–ю, бирортамиз гуноҳ қилиб қўйсак, Отамиз Худонинг олдида ҳомийимиз
— Исо Масиҳ бор, У Солиҳ Зотдир. 2 У бизни гуноҳларимиздан поклаш учун
қурбон бўлди. Нафақат бизнинг, балки бутун дунёнинг гуноҳлари учун қурбон
бўлди.

Ҳақиқий имонлининг фазилатлари

3 Худони таниб–билганимизни шундан билсак бўлади: Худони таниб–билган
одам Унинг амрларига риоя қилади. 4 Худони биламан деб туриб, Унинг
амрларига риоя қилмаган эса ёлғончидир, унда ҳақиқат йўқ. 5 Худонинг каломига
итоат қилган одамда эса Худонинг севгиси ўз мукаммал ифодасини топган. Биз
Худо билан бирга эканимизни ана шундан билсак бўлади.
6 Мен Худо билан биргаман деган одам Исо Масиҳ яшагандай яшаши керак.
7 Эй азизларим, мен сизларга янги амрни эмас, балки бошидан ўзингизга маълум
бўлган эски амрни ёзяпман. Бу эски амр сизлар эшитган Худонинг каломидир.
8 Аммо мен ёзаётган бу амрни янги десам ҳам бўлади, чунки бу амр Масиҳ ва
сизлар орқали амал қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, зулмат ўтиб бормоқда, ҳақиқий
нур ҳозирданоқ порламоқда.
9 Мен нурда яшаяпман деб туриб, ўз биродаридан нафратланган одам ҳали ҳам
зулматдадир. 10 Биродарини севган одам эса нурда яшайди ва ҳеч қандай нарса
унинг қулашига сабаб бўла олмайди*. 11 Аммо биродаридан нафратланган одам
зулматдадир. У зулматда юриб, қаерга кетаётганини билмайди, чунки зулмат
унинг кўзларини кўр қилган.

12 Азиз болаларим, сизларга ёзяпман: Масиҳ туфайли гуноҳларингиз
кечирилди.
13 Эй оталар, сизларга ёзяпман: сизлар бошидан аён бўлган Масиҳни*
таниб–билдингизлар.
Эй йигитлар, сизларга ёзяпман: сизлар ёвуз шайтонни енгдингизлар.

Эй болажонлар, сизларга ёзяпман: сизлар Отамиз Худони билдингизлар.
14 Оталар, сизларга ёзяпман: сизлар бошидан аён бўлган Масиҳни
таниб–билдингизлар.
Йигитлар, сизларга ёзяпман: сизлар бақувватсизлар, Худонинг каломи
қалбингиздан жой олган, сизлар ёвуз шайтонни енгдингизлар.

Дунёга кўнгил боғламанглар

15 Дунёга ва ундаги нарсаларга кўнгил боғламанглар. Дунёни севган одамда
Отамиз Худонинг севгиси бўлмайди. 16 Зеро, дунёдаги бор нарса — инсон
табиатининг хоҳишлари, нафс ва бойлик билан мағрурланиш Отадан эмас, балки
дунёдандир. 17 Дунё ҳам, унинг нафси ҳам ўтиб кетади. Худонинг иродасини
бажарган одам эса абадий яшайди.

Масиҳ душманининг таълимоти ҳақида огоҳлантириш

18 Болажонларим, дунёнинг сўнгги дамлари* келди! Масиҳнинг душмани*
келишини эшитгансизлар. Мана, ҳозирдан Масиҳнинг кўп душманлари пайдо
бўлди. Ана шундан биз сўнгги дамларда яшаётганимизни биламиз. 19 Аслида, бу
одамлар ўз орамиздан чиқдилар, аммо улар бизга тегишли бўлмаганлар. Шунинг
учун бизни тарк этдилар. Агар бизга қарашли бўлганларида эди, биз билан
қолган бўлар эдилар. Аммо чиқиб кетганларидан шуниси маълум бўлдики,

биронтаси ҳам бизга қарашли эмас.

20 Сизлар эса ҳаммангиз ҳақиқатни биласизлар, чунки сизлар Исо Масиҳдан* Муқаддас Руҳни* қабул қилгансизлар. 21 Сизлар ҳақиқатни билмаганингиз учун эмас, аксинча, билганингиз учун мен буларни сизларга ёзяпман. Ёлғончилар ҳақиқатга мансуб эмаслигини ҳам эслатмоқчиман. 22 Исони Масиҳ* эмас, дейдиган ҳар қандай одам — ёлғончи, у Масиҳнинг душманидир! У Отамиз Худони ҳам, Ўғилни ҳам рад этади. 23 Ўғилни рад этган одамда Ота йўқ. Ўғилни тан олган одамда эса, Ота ҳам бор.

24 Сизлар бошидан эшитган каломни қалбингизда сақланглар. Агар бошидан эшитган каломни қалбингизда сақласангиз, сизлар ҳам Ўғил, ҳам Ота билан бирга яшайсизлар. 25 Масиҳнинг* Ўзи буни бизга ваъда қилган. Бу абадий ҳаётдир.
26 Сизларни йўлдан оздирмоқчи бўлган одамлардан эҳтиёт бўлинглар деб, буларни сизларга ёзяпман.

27 Аммо сизлар Исо Масиҳдан* Муқаддас Руҳни қабул қилгансизлар. Муқаддас Руҳ ичингизда яшаётгани учун сизларга ҳеч кимнинг бирор нарса ўргатишига ҳожат йўқ. Муқаддас Руҳ сизларга ҳамма нарсани ўргатади, Унинг таълимоти сохта эмас, ҳақиқийдир. У сизларга ўргатганидек, Масиҳ билан яшашингиз керак.

Худонинг болалари ва иблиснинг болалари ҳақида

28 Ҳа, азиз болаларим, бу сўнгги дамларда Масиҳ билан яшанглар, токи У оламга келганда дадил бўлайлик, Унинг олдида уялиб қолмайлик. 29 Биз Масиҳнинг одил эканлигини биламиз. Шунинг учун адолатли иш тутган ҳар қандай одам Худонинг фарзанди эканлигига амин бўламиз.

3–БОБ

1 Қаранглар, Отамиз Худо бизни фарзандларим деб, қандай буюк бир севгини кўрсатди! Ҳақиқатан ҳам, биз Унинг фарзандларимиз. Дунё Отамизни ҳеч қачон тан олмаган, шунинг учун бизни ҳам Худонинг фарзандлари деб тан олмаяпти.
2 Ҳа, азизларим, ҳозир биз Худонинг фарзандларимиз. Аммо келажакда ким бўлишимиз бизга ҳануз очилмаган. Фақат шуни биламизки, ўша пайт келганда, биз Худо сингари бўламиз, чунки Худонинг Ўзини кўрамиз. 3 Худога бундай умид боғлаган ҳар бир одам Исо Масиҳ сингари пок бўлиши учун ўзини поклайди.

4 Гуноҳ қилувчи ҳар қандай одам Худога қарши бош кўтарган бўлади, чунки гуноҳ Худога қарши бош кўтармоқ демакдир. 5 Масиҳ эса гуноҳларимизни ювиш учун келганини биласизлар. Унда гуноҳ йўқлиги ўзингизга аён. 6 Масиҳ билан яшаган ҳар бир одам гуноҳдан юз ўгиради. Гуноҳ қилиб юрган одам эса, Масиҳни кўрмаган ҳам, танимаган ҳам.

7 Азиз болаларим*, ҳеч ким сизларни алдамасин. Адолатли иш қилувчи ҳар қандай одам худди Масиҳ сингари одилдир. 8 Гуноҳ қилувчи эса иблис зотидандир. Чунки иблис азалдан гуноҳ қилиб келяпти. Аммо Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун келди. 9 Худонинг болалари гуноҳ қилмайди, чунки Худонинг ҳаётбахш кучи* уларнинг ичидадир. Улар Худонинг болалари бўлганлари учун гуноҳда яшамайдилар. 10 Адолатли иш қилмаган ва ўз биродарини севмаган одам эса Худодан эмас. Демак, иблис болалари билан Худо болаларининг фарқи ана шундадир.

Бир–биримизни яхши кўрайлик!

11 Сизлар бошидан эшитган калом шу: бир–биримизни яхши кўрайлик! 12 Ёвуз шайтон зоти бўлган Қобилга* ўхшамайлик. У ўз укасини ўлдирганди. Нима учун укасини ўлдирди? Чунки унинг ишлари қабиҳ, укасининг ишлари эса тўғри эди.

13 Эй биродарларим, агар дунё сиздан нафратланаётган бўлса,
ҳайратланманглар. 14 Биз ўлимдан ҳаётга ўтганимизни биламиз, чунки
биродарларимизни севамиз. Биродарини севмаган одам эса ўлим исканжасида
қолган. 15 Биродаридан нафратланган ҳар қандай киши қотилдир. Ҳеч бир қотил
абадий ҳаётга эга бўлмаслигини биласизлар. 16 Масиҳ бизлар учун жонини фидо
қилди, ана шундан биз ҳақиқий севгини билдик. Демак, биз ҳам биродарларимиз
учун жонимизни фидо қилишга бурчлимиз. 17 Агар ўзимизга тўқ бўлиб туриб,
муҳтожликда яшаётган биродаримизни кўрсак–у, унга ёрдам бермай юрагимизни
тош қилсак, қандай қилиб бизда Худонинг севгиси жой олади?!
18 Азиз болаларим, биз ҳақиқий севгимизни қуруқ гап билан эмас, амалда
кўрсатайлик. 19-20 Шунда биз ҳақиқат аҳли эканимизга ишонч ҳосил қиламиз.
Ҳаттоки виждонимиз қийналганда ҳам “Худо ҳамма нарсани билади, У
виждонимиздан ҳам улуғ” деган ҳақиқат билан Худонинг ҳузурида ўзимизни
тинчлантира оламиз. 21 Агар виждонимиз бизни қийнамаса, эй азизларим, Худо
олдида дадил бўламиз 22 ва Ундан нима сўрасак, У беради. Чунки биз Унинг
амрларини бажариб, Унга манзур бўлган ишларни қиляпмиз. 23 Худонинг амри эса
Унинг Ўғли Исо Масиҳга ишонишдан ва Масиҳ буюрганидек, бир–биримизни
севишдан иборатдир. 24 Худонинг амрларини бажарган одам Худо билан бирга ва
Худо у билан бирга яшайди. Худо биз билан яшаётганини У ҳар биримизга берган
Руҳидан биламиз.

4–БОБ

Руҳларни синовдан ўтказинг

1 Эй азизларим, менда Худонинг Руҳи бор деган ҳар қандай одамга ишониб
кетаверманглар. Ҳар бир одамни синанглар, у Худодан ёки Худодан эмаслигини
билинглар, чунки дунёда сохта пайғамбарлар кўпайиб кетган. 2 Одамда Худонинг
Руҳи борлигини шундан билиб олсангиз бўлади: Исо Масиҳ инсон бўлиб
келганини* тан оладиган ҳар бир одам Худодандир. 3 Буни тан олмайдиган одам
эса Худодан эмас. Бундай одамдаги руҳ Масиҳнинг душманида* бўладиган
руҳдир. Масиҳнинг душмани келиши ҳақида эшитгансизлар. Мана, унда
бўладиган руҳ ҳозирданоқ шу дунёдадир.
4 Сизлар эса, азиз болаларим*, Худодансизлар ва сохта пайғамбарларни
енгдингизлар. Ахир, ичингиздаги Руҳ дунёдаги шайтондан устундир. 5 Ўша сохта
пайғамбарлар бу дунёдан, уларнинг гапи ҳам бу дунёга тегишли, шунинг учун
дунё уларга қулоқ солади. 6 Биз эса Худоданмиз. Худони таниган одам бизга қулоқ
солади, Худодан бўлмаган эса қулоқ солмайди. Ҳақиқат Руҳи билан ёлғон руҳини
биз ана шундан фарқлай оламиз.

Севги Худодандир

7 Эй азизларим, бир–биримизни яхши кўрайлик, чунки севги Худодандир.
Севадиган ҳар бир одам Худонинг фарзандидир ва Худони билади. 8 Севмайдиган
одам эса Худони ҳеч қачон билмаган. Ахир, Худо севгидир. 9 Худо бизга бўлган
севгисини шундай намоён қилди: У бизга ҳаёт бериш учун ягона Ўғлини дунёга
юборди. 10 Ҳақиқий севги — бизнинг Худога бўлган севгимиз эмас, балки
Худонинг бизга кўрсатган севгисидир. Зеро, Худо бизни гуноҳларимиздан поклаш
учун Ўз Ўғлини қурбон қилди.
11 Азизларим, Худо бизни шу қадар севгани учун биз ҳам бир–биримизни яхши
кўришимиз керак. 12 Ҳеч ким ҳеч қачон Худони кўрган эмас. Агар биз
бир–биримизни яхши кўрсак, демак, Худо биз билан бирга ва Унинг севгиси бизда

ўзининг мукаммал ифодасини топган. 13 Худо ҳар биримизга Ўз Руҳини берган.
Шундан биламизки, Худо биз билан ва биз Худо билан бирга яшамоқдамиз.
14 Отамиз Худо Ўз Ўғлини дунёнинг Нажоткори қилиб юборганини биз кўрдик ва
бу ҳақда гувоҳлик беряпмиз. 15 Исони Худонинг Ўғли деб тан олган ҳар бир одам
Худо билан бирга яшайди ва Худо у билан бирга яшайди. 16 Худонинг бизга бўлган
меҳр–муҳаббатини биз татиб кўриб, Худо бизни яхши кўришига ишонч ҳосил
қилдик.

Худо севгидир. Севгини дилига жо қилган киши Худо билан бирга яшайди ва
Худо у билан бирга яшайди. 17 Шу тариқа Унинг севгиси бизда мукаммал
ифодасини топади. Шунда биз қиёмат кунини дадиллик билан қаршилаб оламиз,
чунки ҳозирданоқ Масиҳ сингари, Худо билан бирга яшамоқдамиз. 18 Худонинг
севгисини ардоқлаган киши қиёмат кунидан қўрқмайди, чунки қалбини
тўлдирган Худонинг севгиси бу қўрқувни қувиб чиқаради. Қўрқоқ кишининг
қалби эса Худонинг севгисига тўлмаган. Шунинг учун у қиёмат кунидан қўрқиб
яшайди.

19 Биз севамиз*, чунки Худо бизни биринчи бўлиб севди. 20 Агар бирор киши
Худони севаман деса–ю, биродаридан нафратланса, у ёлғончидир. Кўриб турган
биродарини сева олмаган одам кўрмаган Худони ҳам сева олмайди. 21 Худони
севган одам биродарини ҳам яхши кўриши керак! Бу амрни бизга Худо берган.

5–БОБ

1 Исонинг Масиҳ* эканлигига ишонган ҳар бир киши Худонинг фарзандидир.
Ким Отани яхши кўрса, Унинг фарзандларини ҳам яхши кўради. 2 Биз биламизки,
Худони севиб, Унинг амрларини бажарсак, Худонинг фарзандларини ҳам яхши
кўрган бўламиз. 3 Худони севиш Унинг амрларини бажариш демакдир. Худонинг
амрлари эса қийин эмас, 4 чунки Худонинг ҳар бир фарзанди дунёни енгишга
қодир.

Исога бўлган имонимиз дунёни енгади

Биз имонимиз орқали дунё устидан ғалаба қозонамиз. 5 Ҳа, Исо Худонинг Ўғли
эканлигига ишонган одамгина дунёни енга олади! 6 Исо Масиҳ келганда сувга
чўмдирилиб, биз учун Ўз қонини тўкди. У сувга чўмиш билан чекланибгина
қолмай*, Ўз қонини тўкди*. Муқаддас Руҳнинг Ўзи бу ҳақда гувоҳлик беряпти* ва
Унинг гувоҳлиги ҳақиқатдир. 7 Шундай қилиб, бунга учта гувоҳ бор: 8 Руҳ, сув ва
қон*. Улар бир хил гувоҳлик беришяпти.

9 Биз инсонларнинг гувоҳлигини қабул қиламиз, Худонинг гувоҳлиги эса
ундан қанчалар муҳимроқ. Худо ҳам Ўз Ўғли ҳақида гувоҳлик берди. 10 Худонинг
Ўғлига ишонган одам Худонинг гувоҳлигини чин дилдан қабул қилган бўлади.
Худога ишонмаган одам эса Худони ёлғончига чиқаради, чунки у Худонинг Ўз
Ўғли ҳақида берган гувоҳлигига ишонмайди. 11 Худонинг гувоҳлиги шундан
иборат: Худо бизга абадий ҳаёт берди ва бу абадий ҳаётнинг манбаи Худонинг
Ўғли Исодир. 12 Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Худонинг Ўғлига
эга бўлмаган одамда эса ҳаёт йўқ.

Хотима

13 Эй Худонинг Ўғлига ишонганлар, сизлар абадий ҳаётга эгасизлар. Шуни
билиб олинглар деб, сизларга бу мактубни ёзяпман. 14 Биз абадий ҳаётга эга
бўлганимиз учун Худонинг ҳузурида дадил бўламиз, чунки Худонинг иродасига
кўра, нимани сўрасак, У бизга қулоқ тутишини биламиз. 15 Худо ибодатларимизга
қулоқ тутар экан, демак, ибодатларимизга жавоб олганимизга тўлиқ ишонч ҳосил

қиламиз.

16 Агар бирор киши биродарининг гуноҳ қилаётганини кўрса–ю, бу гуноҳ
абадий ўлимга* сабаб бўлмаса, у учун ибодат қилсин. Унинг ибодати туфайли
Худо гуноҳ қилган одамга ҳаёт бағишлайди. Мен гуноҳи абадий ўлимга сабаб
бўлмайдиган одамни назарда тутяпман. Абадий ўлимга сабаб бўладиган гуноҳ*
ҳам бор. Бундай гуноҳга қўл урган одамлар учун ибодат қилинглар, деб
айтмаяпман. 17 Ҳар қандай ёмонлик гуноҳдир, аммо ҳамма гуноҳ ҳам абадий
ўлимга сабаб бўлавермайди.

18 Худонинг фарзанди бўлган одам гуноҳ қилмаслигини биламиз, чунки Худо*
бундай одамни Ўз паноҳида асрайди*. Ёвуз шайтон унга бирор зарар етказа
олмайди. 19 Биз Худодан эканимизни, бутун дунё эса ёвуз шайтон чангалида
эканини биламиз. 20 Яна шуни биламизки, Худонинг Ўғли келиб, ҳақ Худони
таниб–билишимиз учун бизга ақл–идрок берди. Биз Исо Масиҳ билан бирга яшар
эканмиз, ҳақ Худо билан ҳам бирга яшаймиз. Исо Масиҳ ҳақ Худодир ва абадий
ҳаёт манбаидир.

21 Азиз болаларим*, ўзларингизни бутлардан* сақланглар*.

ИЗОҲЛАР

Масиҳ — 2:22 изоҳига қаранг.

...Худонинг Ўғли инсон бўлиб келмаган... — 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

1:1 *Ҳаёт каломи* — Исо Масиҳга ишора (Юҳанно 1:4, 3:16, 10:10, 14:6 га қаранг).

1:1 *Кўриб эшитганларимизни...кўрганларимизни...* — Юҳанно 1:14 га қаранг.

1:4 *қалбимиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *қалбингиз*.

2:1 *Азиз болаларим* — Юҳаннонинг ўз фарзандлари эмас. Юҳанно уларнинг руҳий йўлбошчиси бўлиб, азиз имонлиларга шундай мурожаат қилган.

2:10 *...ҳеч қандай нарса унинг қулашига сабаб бўла олмайди* — яна Забур 118:165 га қаранг.

2:13 *бошидан аён бўлган Масиҳ* — 1:1 га ва ўша оятнинг изоҳларига қаранг.

2:18 *дунёнинг сўнгги дамлари* — Исо Масиҳ тирилгандан кейинги даврга ишора. Яна Ибронийлар 1:2, 9:26 га қаранг.

2:18 *Масиҳнинг душмани* — яна 2 Салоникаликлар 2:3-12, Ваҳий 13:1-17 га қаранг.

2:20 *Исо Масиҳ* — юнонча матнда *муқаддас Зот*. Баъзи олимлар бу иборани Отамиз Худога ишора деб тахмин қиладилар.

2:20 *Муқаддас Руҳ* — юнонча матнда *мойланиш*, бу ўринда масиҳийларга Муқаддас Руҳ берилганига ишора (шу бобнинг 27–оятида ҳам бор). Баъзи олимларнинг тахмини бўйича, бу ўринда уларнинг Хушхабарни қабул қилганлари назарда тутилган.

2:22 *Масиҳ* — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига ва ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

2:25 *Масиҳ* — юнонча матнда *У*.

2:27 *...Исо Масиҳдан...* — юнонча матнда *...Ундан...*. Шу бобнинг 20–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

3:7 *Азиз болаларим* — 2:1 изоҳига қаранг.

3:9 *Худонинг ҳаётбахш кучи* — юнонча матнда *Худонинг уруғи*, бу ўринда Муқаддас Руҳга ишора бўлиши мумкин. Баъзи олимларнинг тахмини бўйича, *Худонинг уруғи* ибораси Худонинг каломига ишора қилади (1 Бутрус 1:23 га қаранг).

3:12 *Қобил* — Ибтидо 4:3-8 га қаранг.

4:2 *Исо Масиҳ инсон бўлиб келгани* — 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

4:3 *Масиҳнинг душмани* — 2:18-22 оятларга қаранг. Яна 2 Салоникаликлар 2:3-12, Ваҳий 13:1-17 га қаранг.

4:4 *азиз болаларим* — 2:1 изоҳига қаранг.

4:19 *севамиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худони севамиз*, аммо бу ўринда Юҳанно одамларнинг Худога бўлган севгиси уларнинг бир–бирларига бўлган меҳр–муҳаббати орқали намоён бўлишига урғу беради.

5:1 *Масиҳ* — 2:22 изоҳига қаранг.

5:6 *У сувга чўмиш билан чекланибгина қолмай…* — Юҳанно бу ўринда Исонинг Масиҳ сифатида, яъни Худо Ўғли сифатида сувга чўмдирилганига ва хочга михланганига урғу беради. Юҳаннонинг бундан мақсади мана шу ҳақиқатга қарши чиққан сохта устозларни фош қилиш эди (2:22, 4:1-3 га қаранг). Чамаси, улар Исо сувга чўмдирилганидан кейингина Унга Худонинг Ўғли кириб келган, хочга михланишидан олдин эса чиқиб кетган, деб ишонганлар. Уларнинг бу тушунчалари Исо Масиҳ ҳақидаги ҳақиқатга зид эди. Инсониятни гуноҳдан поклаш учун Масиҳ, яъни Худонинг Ўғли бўлган Исо хочда ўлган (шу бобнинг 5–оятига ва 1:1-3, 2:1-2, 4:10 га қаранг).

5:6 *Исо Масиҳ келганда…Ўз қонини тўкди* — юнонча матнда *Исо Масиҳ сув ва қон билан келди. У фақат сув билан эмас, сув ва қон билан келди*. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исо Масиҳ сув, қон ва Руҳ билан келди…*.

5:6 *Муқаддас Руҳнинг Ўзи бу ҳақда гувоҳлик беряпти…* — 2:20, 27 га ва Юҳанно 1:32-34 га қаранг.

5:7-8 *…бунга учта гувоҳ бор: [8] Руҳ, сув ва қон* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *осмонда бунга учта гувоҳ бор: Ота, Калом ва Муқаддас Руҳ. Бу учови бир. [8] Ерда ҳам бунга учта гувоҳ бор: Руҳ, сув ва қон*.

5:16 *абадий ўлим* — юнонча матнда *ўлим*. Бу оятда *ўлим* сўзи нафақат жисмоний ўлимга, балки абадий жазога ҳам ишора қилиши мумкин (2 Салоникаликлар 1:7-9, Ваҳий 20:11-15 га қаранг). Яна бу оятга берилган кейинги изоҳга қаранг.

5:16 *Абадий ўлимга сабаб бўладиган гуноҳ* — жамоатни тарк этган сохта устозларнинг гуноҳига ишора. Уларнинг гуноҳи Исо Масиҳ ҳақидаги ҳақиқий таълимотга ишонмаслик эди (шу бобнинг 5, 10-12–оятларига ва 2:18-26, 3:23, 4:1-3 га қаранг). Яна Матто 12:31 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

5:18 *Худо* — ёки *Худонинг Ўғли*.

5:18 *…чунки Худо бундай одамни Ўз паноҳида асрайди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *чунки Худонинг фарзанди бўлган одам ўзини гуноҳдан асрайди*.

5:21 *Азиз болаларим* — 2:1 изоҳига қаранг.

5:21 *бутлар* — уларни тўғри йўлдан оздирадиган сохта таълимотларга рамзий усулда ишора бўлиши мумкин (2:18-26, 4:1-3 оятларга ва шу бобнинг 6–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг).

5:21 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ЮҲАННОНИНГ
ИККИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масиҳнинг шогирди Юҳаннодир. Юҳанно бу мактубини “Худо танлаган азиз хоним билан унинг болаларига” деб йўллаган бўлса–да, бу ерда у имонлилар жамоатини ва жамоат аъзоларини назарда тутган бўлса керак.

Муаллиф бу мактуби орқали имонлиларни бир–бирига меҳр–оқибатли бўлишга, Исо Масиҳга бўлган имонини маҳкам тутишга ва сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлишга чақиради. Чунки бундай “пайғамбарлар” Масиҳ*, яъни Худонинг Ўғли инсон бўлиб келмаган*, деб айтишган. Муаллиф имонли биродарларини тез орада кўриш истаги борлигини изҳор этиб, мактубини якунлайди.

Юҳаннонинг иккинчи мактуби жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Худо танлаб олган азиз хоним ва унинг болаларига* мен — оқсоқолдан*
салом! Мен сизларни чин дилдан яхши кўраман, менгина эмас, ҳақиқатни билиб
олганларнинг ҳаммаси сизларни яхши кўради. 2 Бу севгига дилимиздан жой олган
ва то абад биз билан бўладиган ҳақиқат асос бўлди.
3 Биз ҳақиқат ва севги бўйича яшар эканмиз, Отамиз Худо ва Отамизнинг Ўғли
Исо Масиҳ берадиган иноят, марҳамат ва тинчлик бизга* доим ёр бўлади.

Ҳақиқат ва меҳр–муҳаббат

4 Ҳурматли хоним, фарзандларингизнинг бир нечтаси Отамиз Худонинг бизга
берган амрини* бажариб, ҳақиқат йўлида юраётган эканлар. Мен бундан ғоят
хурсанд бўлдим.
5 Сиздан бир илтимосим бор, бир–биримизни яхши кўрайлик. Сизга янги
амрни ёзаётганим йўқ, бу амр бизга бошидан берилган. 6 Севги — биз Худонинг
амрларига амал қилишимиздан иборат. Сизлар бу амрни бошидан эшитгансизлар
ва унга амал қилиб яшашингиз керак.
7 Буларни ёдингизда тутинглар, чунки дунёда ёлғончилар кўпайиб кетган. Исо
Масиҳ инсон бўлиб келганини улар тан олмайдилар*. Уларнинг ҳар бири ёлғончи
ва Масиҳнинг душманидир!* 8 Шундай экан, огоҳ бўлинглар! Мукофотингизни
тўлиқ олиш учун Масиҳга бўлган ҳақиқий имонингизни* маҳкам тутинглар.
9 Масиҳ таълимотини ортда қолдириб, ўзича “жадаллаб кетган” одамда Худо йўқ.
Масиҳ таълимоти бўйича яшаган одамда эса Ота ҳам, Ўғил ҳам бор. 10 Агар бирор
киши олдингизга келиб, сизларга бошқача таълимотни ўргатса, уни уйингизга
киритманглар, таклиф ҳам қилманглар. 11 Агар уни таклиф қиладиган бўлсангиз,
унинг ёмон ишларига шерик бўлган ҳисобланасиз.

Хайрлашув

12 Сизларга айтадиган гапим кўп, аммо буларни сиёҳ билан қоғозга ёзишни
истамадим. Ундан кўра, олдингизга бориб, сизлар билан юзма–юз гаплашаман,
деб умид қиламан. Шунда шодлигимиз* тугал бўлади.
13 Худо танлаб олган азиз синглингизнинг болалари* сизларга салом
йўллашяпти*.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

ИЗОҲЛАР

Масиҳ — бу унвонни яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар. Эски Аҳдда Масиҳнинг қиладиган ишлари ҳақида башоратлар ёзилган. Янги Аҳдга кўра Раббимиз Исо ўша Масиҳдир. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига ва ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига қаранг.

...Худонинг Ўғли инсон бўлиб келмаган... — 1 Юҳанно 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

1:1 *Худо танлаб олган азиз хоним ва унинг болалари* — маълум бир имонлилар жамоати ва жамоат аъзолари назарда тутилган бўлса керак.

1:1 *оқсоқол* — яъни ҳаворий Юҳанно.

1:3 *Биз...биз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Сизлар...сизлар*.

1:4 *Отамиз Худонинг бизга берган амри* — 1 Юҳанно 3:23 га қаранг.

1:7 *Исо Масиҳ инсон бўлиб келганини улар тан олмайдилар* — 1 Юҳанно 2:22, 4:1-3 га ва 1 Юҳанно 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг. Яна 1 Юҳанно 4:10, 5:5 га қаранг.

1:7 *Масиҳнинг душмани* — 1 Юҳанно 2:18, 4:3 га қаранг.

1:8 *Масиҳга бўлган ҳақиқий имонингиз* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *биз бажарган иш*, бу ўринда уларнинг Исо Масиҳга бўлган имони назарда тутилган.

1:12 *шодлигимиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *шодлигингиз*.

1:13 *Худо танлаб олган азиз синглингизнинг болалари* — бу ўринда имонлилар жамоати назарда тутилган бўлса керак. Айниқса, муаллиф қайси жамоатда бўлган бўлса, ўша жамоатга ишора бўлиши мумкин.

1:13 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ЮҲАННОНИНГ
УЧИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масиҳнинг шогирди Юҳаннодир. Юҳанно бу мактубини имонлилар жамоатининг етакчиси Гаюсга йўллаган.

Мазкур мактубда муаллиф имонли биродарларини бир–бирларига нисбатан меҳр–оқибатли бўлишга ундайди. Юҳанно Гаюснинг жамоатидан олган хабарга кўра, Диотрефес исмли бетавфиқ бир одам жамоат бошқарувини ўз зиммасига олиб, Юҳанно юборган муаллимларни қабул қилмаган экан. Уларга меҳмондўстлик кўрсатган биродарларни эса жамоатдан қувиб чиқарган экан. Юҳанно Диотрефеснинг бу қилмишларини қоралайди, Гаюсни эса мақтаб, сафардаги муаллимларга кўрсатган меҳмондўстлиги учун унга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Юҳаннонинг учинчи мактуби жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Чин кўнгилдан яхши кўрадиган азиз биродарим Гаюсга мен — оқсоқолдан* салом!

2 Азиз дўстим, ҳамма ишларингга Худодан ривож тилайман. Тананг, руҳинг сингари, соғ–саломат бўлсин.

Гаюснинг мақтовга лойиқ меҳмондўстлиги

3 Ҳар сафар биродарларимиз келиб, сенинг ҳақиқатга содиқ қолганингни ва ҳақиқат бўйича яшаётганингни айтишганда, мен ғоят хурсанд бўламан. 4 Мен учун фарзандларимнинг* ҳақиқат бўйича яшаётганларини эшитишдан каттароқ хурсандчилик йўқ.

5 Азиз дўстим, сен биродарларимизга, ҳатто ўзинг танимаганларга ҳам, доим садоқат билан ёрдам бериб келяпсан. 6 Улар сенинг меҳрибонлигинг тўғрисида имонлилар жамоатига айтиб юришибди. Бу ишингни давом эттиравер, Худога муносиб тарзда сафардаги биродарларга ёрдам бер. 7 Ахир, улар Масиҳ номи учун йўлга чиққанлар. Имонсизлардан* ҳеч қандай ёрдам олмасликка қарор қилганлар. 8 Биз бундай одамларни қўллаб–қувватлашимиз керак, шунда ҳақиқатни эълон қилишда уларга ҳамкор бўламиз.

Диотрефес ва Демитрус

9 Мен имонлилар жамоатига* бир мактуб ёзган эдим. Аммо уларнинг ораларида ўзини катта тутаётган Диотрефес гапларимизга эътибор бермаяпти. 10 Агар борсам, унинг қилмишларини фош этаман. У биз ҳақимизда ёмон гаплар тарқатиб, туҳмат қилиб юрибди. Бу билан ҳам кифояланмай, биродарларни қабул қилмаяпти, қабул қилмоқчи бўлганларга тўсқинлик қилиб, уларни ҳатто жамоатдан қувиб чиқаряпти.

11 Азиз биродарим, сен ёмонликка эмас, яхшиликка тақлид қил. Яхшилик

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

қилувчи одам Худодандир. Ёмонлик қилувчи эса Худони кўрмаган.

12 Демитрус* ҳақида эса ҳамма яхши гапирмоқда, унинг ҳаётида ва
таълимотида акс этган ҳақиқатнинг ўзи ҳам у томондадир. Биз ҳам у ҳақда яхши
фикрдамиз, гапимиз тўғри эканлигини ўзинг биласан.

Хайрлашув

13 Сенга айтадиган гапим кўп, аммо уларни сиёҳ билан қоғозга ёзишни
истамадим. 14 Ундан кўра, яқин орада ўзинг билан юзма–юз кўришиб гаплашаман
деган умиддаман. 15 Тинч–омон бўлгин. Дўстларимиз сенга салом йўллаяптилар. У
ердаги дўстларимга ҳам номма–ном салом айтиб қўй.

ИЗОҲЛАР

1:1 *оқсоқол* — яъни ҳаворий Юҳанно.
1:4 *фарзандларим* — Юҳаннонинг ўз фарзандлари эмас. Юҳанно уларнинг руҳий йўлбошчиси бўлиб, азиз имонлиларга шундай мурожаат қилган.
1:7 *Имонсизлар* — улардан Хушхабарни эшитадиган одамлар.
1:9 *имонлилар жамоати* — Гаюс ва Диотрефес аъзо бўлган жамоат назарда тутилган бўлиши мумкин.
1:12 *Демитрус* — Хушхабарни ёйиш мақсадида сафарга чиққан, ушбу мактубни Гаюсга олиб бораётган одам бўлиши мумкин.

ЯҲУДОНИНГ
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи Исо Масиҳнинг ва Ёқубнинг укаси Яҳудодир. Ёқуб Қуддусдаги жамоатнинг етакчиси эди. Бу мактуб мазмун жиҳатидан Бутруснинг иккинчи мактубига ўхшаш бўлиб, мақсади — масиҳийларнинг орасига кириб олган сохта устозларни фош қилишдан иборат. Бу сохта устозлар Худонинг иноятини ҳақидаги хабарни бузиб ўргатишарди, гуноҳ қилишга ҳаққимиз бор, дея фақат нафсини қондириб яшашарди.

Мактуб қайси шаҳардаги масиҳийлар жамоатига ёзилгани аниқ эмас. Аммо маъноси очиқ–ойдин ифода қилинган бўлиб, масиҳийларни сохта устозлардан ҳазар қилишга, уларнинг таълимотига қарши чиқишга ундайди. Бундан ташқари, имонда ўсиб–улғайишга, одамларга меҳр–оқибатли ва раҳмдил бўлишга чақиради.

Яҳудонинг мактуби жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Исо Масиҳнинг қули ва Ёқубнинг укаси мен — Яҳудодан*, Худонинг халқи
бўлишга даъват қилинган биродарларга салом! Отамиз Худо сизларни Исо Масиҳ
2 келишига қадар* Ўз меҳр–муҳаббати паноҳида омон сақлайди*. Худо сизларга
чексиз марҳамат, тинчлик ва меҳр–оқибат ато қилсин.

Сохта устозлардан эҳтиёт бўлинглар

3 Азизларим, ҳаммамиз биргаликда баҳра олаётган нажотимиз ҳақида мен
сизларга ёзишни жуда хоҳлаган эдим. Аммо бунинг ўрнига сизларни:
“Имонимизни ҳимоя қилайлик”, деб ундамоқчиман. Ахир, Худо бу ўзгармас
имонни азиз халқига то абад топширган. 4 Гап шундаки, баъзи бетавфиқ одамлар
орангизга ўғринча кириб олибдилар. Улар ўз ахлоқсизлигини оқлаш учун
Худойимизнинг иноятини ҳақидаги хабарни бузиб ўргатяптилар. Ягона
Хўжайинимиз* ва Раббимиз Исо Масиҳни рад этяптилар. Ўша бетавфиқларнинг
жазоси азалданоқ ёзилгандир*.

Сохта устозларнинг жазоси

5 Бундай одамларнинг қисмати нима бўлишини ўзларингиз яхши биласизлар.
Буларни сизларга яна бир бор эслатмоқчиман: Эгамиз Ўз халқи Исроилни
Мисрдаги қулликдан қутқарганди. Кейинроқ эса ишонмаган одамларни ҳалок
6 қилган эди*. Шунингдек, ўз мавқеига яраша иш тутмай, маконини ташлаб кетган
фаришталарни* ҳам Эгамиз қоронғи зимистонга абадий занжирбанд қилганди.
7 Уларни буюк қиёмат кунигача ўша ерда сақлаб турибди. Ўша фаришталар
сингари, Садўм ва Ғамўра шаҳарлари* аҳолиси, шунингдек, булар атрофидаги
барча шаҳарлар аҳолиси ҳам нотабиий бузуқ эҳтиросларга ва шаҳвоний ҳирсга
берилган эдилар. Оқибатда эса абадий ўтда куйиб, ўз жазосини олганлар.
Уларнинг қисмати ҳаммага сабоқ бўлди.

8 Шунга қарамай, орамизга кириб олган бетавфиқлар ўз ваҳийларига таяниб,
баданларини ҳаром этяптилар. Худонинг ҳокимиятини рад этиб, самовий

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

мавжудотларни ҳақорат қиляптилар*. 9 Эсингизда бўлса, бош фаришта Микойил иблис билан Мусонинг жасади борасида баҳслашганди*. Аммо Микойил шунда ҳам иблисни ҳақоратлаб, ҳукм қилишга журъат этмади, у Худонинг ҳокимиятини эъзозлаган ҳолда, фақат: “Эгамнинг Ўзи сени ҳукм қилсин”, — деб айтган эди, холос. 10 Ўша бетавфиқлар эса Худонинг қонунини тушунмайдилар, тушунмаганлари учун ҳам ўша қонунни менсимайдилар. Улар ўзларини онгсиз ҳайвонлардай тутиб, эҳтиросларга берилиб яшашдан бошқа ҳеч нарсани билмайдилар. Бунинг натижасида ҳалокатга йўлиқадилар.

11 Бу сохта устозларнинг ҳолига вой! Ахир, улар Қобилнинг* изидан боряптилар. Пулга берилиб, бошқаларни Баломга* ўхшаб йўлдан уряптилар. Кўрах* сингари исён кўтариб, ҳалокатга юз тутяптилар.

12 Бу одамлар жамоатингизни ҳам ҳалокатга йўлиқтирадилар*. Улар фақат ўзини боқадиган чўпонларга ўхшайди. Сизлар таом ейиш учун бирга йиғилганингизда, Раббимиз Исони хотирлаш учун нон синдирганингизда, улар уялмай, очкўзлик билан қоринларини тўйдирадилар. Улар шамол ҳайдаган ёмғирсиз булутларга ўхшайдилар, мавсумида мева бермайдиган дарахтлар кабидирлар. Бу устозлар қўпориб ташланган дарахтлардай ўликдирлар. 13 Улар денгизнинг ваҳший тўлқинлари каби жўш уради*, шармандали ишларини ифлос кўпикдай юзага чиқариб, атрофга сочади. Улар тайёрлаб қўйилган қоп–қоронғи зулматга адашган юлдузлардай* абадий ғарқ бўлишади.

14 Одам Атодан бошлаб, еттинчи* авлодда яшаган Ханўх* бу одамлар ҳақида шундай башорат қилган*:

> “Раббимиз минг–минглаб муқаддас малаклари билан келади.
> 15 У жамики одамзодни ҳукм қилади.
> Гуноҳга ботган бетавфиқларни маҳкум этади,
> Ярамас қилмишлари учун,
> Уни ҳақоратлаганлари учун
> Бетавфиқларни жазолайди.”

16 Орамизга кириб олган бу бетавфиқлар, қачон қараманг, минғирлаб нолиб юрадилар. Улар фақат ўз нафсини ўйлаб иш тутадилар, мақтанадилар, ўз манфаатини кўзлаб, тилёғламалик қиладилар.

Худога содиқ қолинглар

17 Сизлар эса, эй азизларим, Раббимиз Исо Масиҳнинг ҳаворийлари айтган башоратларни* эсингизда тутинглар. 18 Ахир, улар сизларни қуйидагича огоҳлантиришган: “Охирги замонда шундай одамлар бўладики, улар фақат ўз нафсини қондириш билан овора бўлишади, ҳақиқатга итоат қилувчиларни мазах қилишади.” 19 Муқаддас Руҳга эга бўлмаган бу бетавфиқ устозлар инсон табиатига қул бўлиб яшайдилар, орангизга низо уруғини сочадилар.

20 Сизлар эса, эй азизларим, қутлуғ имонингизга таяниб ҳаёт кечиринглар. Муқаддас Руҳ илҳоми билан ибодат қилинглар. 21 Худонинг севгиси паноҳида бўлиб, ўзингизни асранглар. Раббимиз Исо Масиҳнинг келишини кутинглар. У келиб, Ўз марҳамати туфайли бизга абадий ҳаёт ато қилади. 22 Иккиланувчи биродарларингизга раҳмдил бўлиб*, 23 уларни қутқаринглар. Ана шунда сизлар бундай одамларни қиёмат алангасидан чиқариб олгандай бўласизлар. Ўз билганидан қайтмаганларга эса ачининглар*. Бироқ эҳтиёт бўлинглар, уларнинг қабиҳ қилмишларидан ҳазар қилинглар. Уларнинг ҳатто кийими ҳам сизлар учун ҳаром ва жирканчлидир.

Сўнгги дуо

24 Имондан қайтиб кетишдан сизларни фақатгина Худо асрай олади. У
сизларни беғубор ва шод–хуррам қилиб, Ўзининг улуғвор ҳузурига олиб киришга
қодир. 25 Бизни Исо Масиҳ орқали қутқарган яккаю ягона нажоткоримиз Худога*
ҳамдлар бўлсин! Азалдан, ҳозир ва то абад салобатли, куч–қудратли, салтанат
Соҳиби бўлган Худога шон–шарафлар бўлсин! Омин.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Ёқубнинг укаси мен — Яҳудо* — Қуддусдаги жамоатнинг етакчиси бўлган Ёқубнинг ва Исонинг укаси (Марк 6:3, Ҳаворийлар 15:13, 21:18, Галатияликлар 1:18-19 га қаранг).

1:1 *...Исо Масиҳ келишига қадар...* — ёки *...Исо Масиҳ орқали....*

1:1 *Отамиз Худо сизларни...Ўз меҳр–муҳаббати паноҳида омон сақлайди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Отамиз Худо сизларни...муқаддас қилиб, Ўз паноҳида омон сақлайди*.

1:4 *Хўжайинимиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Эгамиз Худо*.

1:4 *азалданоқ ёзилган* — шу бобнинг 5-16–оятларида Яҳудо бетавфиқларнинг қандай жазоланиши ҳақида мисоллар келтирган.

1:5 *...ишонмаган одамларни ҳалок қилган эди* — Саҳрода 14:26-38 га қаранг.

1:6 *ўз мавқеига яраша иш тутмай, маконини ташлаб кетган фаришталар* — қилмишлари учун жазоланган илоҳий зотларга ишора бўлиши мумкин, бу зотлар ҳақида Ибтидо 6:1-4 да ёзилган. Яна 1 Бутрус 3:19-20, 2 Бутрус 2:4 га қаранг.

1:7 *Садўм ва Ғамўра шаҳарлари* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

1:8 *...самовий мавжудотларни ҳақорат қиляптилар* — уларнинг мағрурлигини ва такаббурлигини намоён қиладиган хулқ–атворлари. Яна 2 Бутрус 2:10-11 га қаранг.

1:9 *...Микойил иблис билан Мусонинг жасади борасида баҳслашганди* — Яҳудо бу ўринда яҳудийларга яхши маълум бўлган афсонани назарда тутган. Бу афсона яҳудийларнинг “Мусонинг жаннатга кўтарилиши” деб номланган қадимги китобидан олинган.

1:11 *Қобил* — Ибтидо 4:3-8 га қаранг. Бу оятда айтиб ўтилган одамлар ахлоқи бузуқ бўлиб, бошқаларни ҳам гуноҳга етаклагани билан танилган.

1:11 *Балом* — Мўаб ва Мидиён халқлари билан қилган ҳамкорлиги учун Исроил халқининг душмани ҳисобланган эди (Саҳрода 25:1-5, 16-18, 31:16, Ёшуа 13:22, 24:9-10, Ваҳий 2:14 га қаранг).

1:11 *Кўрах* — Саҳрода 16:1-35 га қаранг.

1:12 *Бу одамлар жамоатингизни ҳам ҳалокатга йўлиқтирадилар* — Яҳудо бу ўринда денгиз сувининг остидаги кўзга кўринмайдиган қоятошларни билдирадиган юнонча сўзни ишлатган. Кемалар ўша қоятошларга урилиб, ҳалокатга учрар эди. Бу тимсол жамоатни ҳалокатга йўлиқтирадиган одамларга роса мос келарди. Баъзи олимларнинг тахмини бўйича эса бу юнонча сўз кийим–кечакдаги доғни англатади. Шунинг учун уларнинг назарида юқоридаги гапни *Бу одамлар жамоатингизга доғ туширади* деб таржима қилса ҳам бўлади.

1:13 *Улар денгизнинг ваҳший тўлқинлари каби жўш уради...* — Ишаё 57:20-21 га қаранг.

1:13 *адашган юлдузлар* — ёвузликка юз тутган фаришталарга рамзий маънода ишора қилинган бўлиши мумкин.

1:14 *еттинчи* — баркамоллик тимсоли, Ханўхнинг сўзлари ҳақиқат эканлигига урғу бериш мақсадида ишлатилган бўлиши мумкин.

1:14 *Ханўх* — шарқ ёзма адабиётида Идрис пайғамбар деб эътироф этилган. Ибтидо 5:18-24 га қаранг.

1:14 *…Ханўх бу одамлар ҳақида шундай башорат қилган…* — мазкур оятдаги башорат сўзлари яҳудийлар орасида кенг тарқалган “Ханўхнинг китоби”дан олинган. Мазкур китобдаги ҳикоялар яҳудийларга ҳам, масиҳийларга ҳам маълум бўлган.

1:17 *айтган башоратлар* — мисол учун, Ҳаворийлар 20:29, 2 Бутрус 2:1-3, 1 Тимўтий 4:1, 2 Тимўтий 3:1-5 га қаранг.

1:22 *Иккиланувчи биродарларингизга раҳмдил бўлиб…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Мулоҳаза билан баъзи биродарларингизга раҳмдил бўлиб….*

1:23 *…қайтмаганларга эса ачининглар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *қайтмаганларни эса фош қилинглар*.

1:25 *нажоткоримиз Худо* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *донишманд нажоткоримиз Худо*.

ПАВЛУСНИНГ
РИМЛИКЛАРГА
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус бу мактубини Римдаги жамоатга ёзган. Римдаги жамоат яҳудий ҳамда ғайрияҳудий бўлган масиҳийлардан иборат эди. Павлус Римга боришга тайёргарлик кўраётган эди. Унинг мактубни ёзишдан мақсади ўзини Римдаги жамоатга таништириш, уларга Исо Масиҳ ҳақидаги таълимотни тушунтириш ва уларнинг ёрдамида Испанияда ўз хизматини давом эттириш эди. Мазкур мактубда Павлус Хушхабарни тўлиқ ва ҳар томонлама шарҳлайди. Мактубнинг моҳияти Павлуснинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Бу Хушхабарда ошкор қилинганки, Худо инсонларни имон орқали, ҳа, фақатгина имон орқали оқлайди, чунки Муқаддас битикларда: «Солиҳ инсон имон туфайли ҳаётга эга бўлади», деб ёзилган.” (1:17)

Мактубнинг дастлабки қисмида (1-4–боблар) Павлус бу таълимотини батафсил тушунтиради. Ҳар бир инсон, яҳудий ёки ғайрияҳудий бўлишидан қатъий назар, гуноҳкор бандадир, шу сабабдан ҳамма Худо билан ярашиши керак. Бунга эса савоб ишлар, диндорлик ёки Худонинг қонунига амал қилиш орқали эмас, балки Исо Масиҳга бўлган имон орқалигина эришса бўлади.

Мактуб давомида (5-8–боблар) Павлус Мусонинг қонуни ва Муқаддас Руҳ борасида сўз юритади. Нима мақсадда Худо қонунни берганини тушунтириб, имонли кишининг ҳаётида амал қиладиган Муқаддас Руҳнинг қудрати ҳақида ёзади. Павлус мактубининг бу қисмида Масиҳга имон келтирган инсоннинг янги ҳаётини тасвирлайди. Бу янги ҳаётнинг манбаи Худо билан ўрнатилган муносабат бўлади. Янги ҳаётга қадам қўйган бундай инсон Худо билан уйғунликда яшайди ва у Муқаддас Руҳнинг ёрдамида гуноҳ кучидан озод бўлади.

Сўнг Павлус эътиборини Худонинг нажот режасига қаратади (9-11–боблар). Бу режада у яҳудийлар ва ғайрияҳудийларнинг ўзига яраша тутган ўрни борлигини айтиб ўтади. Илоҳий режага кўра, бутун инсоният нажот топиб, Худонинг Масиҳ орқали берган иноятидан баҳраманд бўлиши учун яҳудийлар Масиҳни рад этишлари керак эди. Лекин муаллифнинг таъкидлашича, вақти келиб яҳудийлар ҳам Масиҳни тан олишади.

Мактубнинг сўнгги қисмида (12-16–боблар) Павлус масиҳийларга кундалик турмушга оид насиҳатлар беради. Уларни меҳр–оқибатли бўлишга, Худога манзур ҳаёт кечиришга чақиради. Шунингдек, Худога хизмат қилиш, ҳукуматга бўйсуниш, инсоният олдидаги мажбуриятлар ва виждон масаласи каби мавзуларни ёритади. Мактуб дуойи саломлар билан якунланади.

1–БОБ

Салом

[1] Мен — Исо Масиҳнинг қули бўлган Павлусдан Римдаги биродарларимга салом! Мен ҳаворийликка даъват этилганман, Худонинг Хушхабарини ёйиш учун танланганман. [2] Муқаддас битикларда* ёзилгандай, Худо бу Хушхабарни бераман деб, Ўз пайғамбарлари орқали ваъда берган эди. [3] Бу Хушхабар Худонинг Ўғли ҳақидадир. У жисман Довуд зурриётидан келиб чиққан эди. [4] Худонинг Ўзи

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Раббимиз Исо Масиҳни ўликдан тирилтирди. Шу орқали Муқаддас Руҳнинг
кучига тўла бўлган Исо Масиҳ Худонинг Ўғли эканлиги исботланди*. 5 Ана шу Исо
Масиҳ орқали Худо менга* иноят кўрсатиб, ҳаворий бўлиш вазифасини берди.
Токи барча халқлар Худога ишониб, итоат этсинлар, шунда Исо Масиҳнинг номи
улуғланади. 6 Сизлар ҳам, ўша халқлар қатори, Исо Масиҳга тегишли бўлишга
даъват этилгансизлар.

7 Мен ушбу мактубимни сизларга — Римдаги биродарларимга ёзяпман. Худо
сизларнинг ҳаммангизни яхши кўриб, Ўзининг азиз халқи бўлишга чорлаган.
Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Павлуснинг Римга бориш истаги

8 Аввалambор, Исо Масиҳ шарофати ила барчангиз учун Худойимга шукур
қиламан, чунки бутун дунё сизларнинг имонингиз ҳақида гапиряпти. 9 Худонинг
Ўғли ҳақидаги Хушхабарни ёяр эканман, чин қалбимдан Худога хизмат қиламан.
Худо шоҳид, мен доим сизлар учун ибодат қиламан. 10 Ибодатларимда, доим
Худодан: “Агар иродинг бўлса, имкон бер, мен бориб, Римдаги биродарларимни
кўриб келай”, деб сўрайман. 11 Сизларни роса кўргим келяпти, чунки сизлар билан
руҳий инъомларни баҳам кўрсам, дейман, шунда сизлар имонда янада
мустаҳкамроқ бўлардингиз. 12 Тўғрироғи, кўришганимизда, бир–биримизнинг
имонимиздан далда олсак, дейман.

13 Биродарлар, билиб қўйинглар, мен кўп марта сизларнинг олдингизга
боришни режалаштиргандим, аммо ҳеч йўл очилмади. Бошқа халқлар орасида
Хушхабарни айтиб, яхши натижаларга эришдим. Римда ҳам шундай натижаларга
эришишни истайман. 14 Менинг бурчим маданиятлию маданиятсизларга*, зиёлию
саводсизларга Хушхабарни айтишдан иборат. 15 Шунинг учун мен сизларга, яъни
Римдагиларга ҳам Хушхабарни айтишга интизорман.

16 Мен Хушхабардан ор қилмайман, чунки Худонинг куч–қудрати бўлган бу
Хушхабар орқали унга ишонганларнинг ҳаммаси қутқарилади. Ишонадиганлар
яҳудийми, ғайрияҳудийми*, фарқи йўқ! 17 Бу Хушхабарда ошкор қилинганки, Худо
инсонларни имон орқали, ҳа, фақатгина имон орқали оқлайди*, чунки Муқаддас
битикларда: “Солиҳ инсон имон туфайли ҳаётга эга бўлади”*, деб ёзилган.

Инсониятнинг гуноҳкорлиги

18 Барча фосиқлигу адолатсизлик устига самодан Худонинг қаҳри ёғилади,
чунки инсонлар ўз адолатсизликлари билан ҳақиқатга тўсқинлик қиляптилар.
19 Худо ҳақида нимаики билиш мумкин бўлса, уларга равшандир, Худонинг Ўзи
уларга зоҳир этган. 20 Борлиқ яратилгандан бери Худонинг кўринмас
хусусиятлари, яъни абадий қудрати ва илоҳиёти очиқ кўриниб турибди.
Худонинг ижодига қараб, Унинг хусусиятларини тушуниб олса бўлади. Шундай
экан, улар: “Худони билмаймиз”, деб баҳона қилолмайдилар. 21 Улар Худони
билсалар–да, Уни улуғламадилар, Унга шукур қилмадилар. Аксинча, бемаъни
ўй–хаёлларга берилиб кетдилар, уларнинг нодон онглари зулматга чўкди. 22 Улар
ўзларини ақлли деб ҳисоблайдилар, аслида эса нодондирлар. 23 Улар мангу,
улуғвор Худога эмас, балки ўткинчи инсон, қуш, чорва, судралувчи жониворлар
суратидаги бутларга сажда қилдилар.

24 Шунинг учун Худо уларни ўз юракларидаги чиркин эҳтирослари оғушида
қолдирди. Шу сабабдан улар бир–бирлари билан беҳаё ишлар қиладилар. 25 Улар
Худонинг ҳақиқатини ёлғон билан алмаштириб, Яратувчига эмас, балки
яратилганга сажда қилиб, хизмат қиладилар. Яратувчи Худогагина то абад
ҳамдлар бўлсин! Омин.

[26] Ҳақиқатни рад қилганлари учун Худо уларни ўзларининг беҳаё
эҳтиросларига топширди. Ҳатто аёллар ҳам табиий жинсий муносабатни
нотабиий муносабатга алмаштириб, бир–бирлари билан жинсий алоқа қилдилар.
[27] Худди шунингдек, эркаклар ҳам аёллар билан бўладиган табиий жинсий
муносабатдан воз кечиб, бир–бирларига нисбатан шаҳвоний ҳирс билан ёндилар.
Эркаклар бир–бирлари билан беҳаё ишлар қилиб, қилмишларига яраша жазо
тортяптилар.
[28] Бу одамлар Худони таниб–билишни рад қилганлари учун, Худо уларни бузуқ
хаёлларга топшириб қўйди, оқибатда улар қилиш мумкин бўлмаган ишларни
қиладилар. [29] Улар ҳар турли адолатсизлик, ёмонлик, очкўзлик ва ёвузликка
тўлиб, ҳасадгўйлик, қотиллик, жанжалкашлик, фирибгарлик ва бадфеъллликка
муккасидан кетгандирлар. [30] Улар ғийбатчи бўлиб, одамларнинг орқасидан
гапирадилар. Худодан нафратланадилар. Улар сурбет, такаббур,
мақтанчоқдирлар. Улар ёвуз ишлар қилишнинг ҳар хил йўлларини топадилар,
ота–оналарига итоат қилмайдилар. [31] Улар нодондирлар, уларга ишониб
бўлмайди, уларда меҳр–шафқат йўқ. [32] Худонинг қонунида, шундай ишларни
қиладиган одамлар ўлимга лойиқ, деб айтилганини биладилар. Шундай бўлса–да,
улар нафақат бу ишларни ўзлари қиладилар, балки ўшандай ишларни
қилувчиларни қўллаб–қувватлайдилар.

2–БОБ

Худонинг одил ҳукми

[1] Эй бошқаларни ҳукм қилаётган инсон! Сен ким бўлишингдан қатъий назар,
бошқаларни ҳукм қилишга ҳеч ҳақинг йўқ. Сен бошқа одамни ҳукм қилиб,
ўзингни ҳам маҳкум этасан. Ахир, ўзинг ҳам шу ишларни қиляпсан–ку! [2] Бундай
ишлар қилиб юрганларни Худо маҳкум қилишга ҳақли эканини биламиз. [3] Айни
шу ишларни ўзинг қила туриб, шундай ишларни қилувчиларни ҳукм этсанг,
Худонинг ҳукмидан қочиб қутуламан, деб ўйлайсанми?! [4] Худонинг чексиз
меҳрибонлиги ва сабр–тоқатини писанд қилмаётганингни қара. Ахир, Унинг
муруввати сени тавбага етаклашини билмайсанми?! [5] Аммо сен ўжарлик қилиб,
гуноҳларингдан тавба қилмаяпсан. Худонинг адолатли ҳукми аён бўладиган
қаҳр–ғазаб кунида бошингга тушадиган жазони янада кўпайтиряпсан.
[6] Худо ҳар кимни қилган ишига яраша тақдирлайди. [7] Яхши ишда қунт қилиб,
шараф, ҳурмат–эҳтиром ва мангуликка интилганларга Худо абадий ҳаёт ато
қилади. [8] Аммо худбинлик қиладиган, ҳақиқатни рад этиб, адолатсизликка
эргашадиганлар қаҳр–ғазабга дучор бўлади. [9] Ёвузлик қиладиган ҳар бир инсон
изтиробда қолади, унинг бошига фалокат тушади, бу инсон яҳудийми,
ғайрияҳудийми — фарқи йўқ. [10] Яхшилик қиладиганларга эса — яҳудийларга ҳам,
ғайрияҳудийларга ҳам, шараф, ҳурмат–эҳтиром ва тинчлик насиб этади. [11] Зеро,
Худо тарафкашлик қилмайди.
[12] Худонинг қонунини* билмасдан туриб гуноҳ қилганлар, қонунга алоқасиз
равишда ҳукм қилинадилар. Қонунни била туриб гуноҳ қилганлар эса қонун
бўйича ҳукм қилинадилар. [13] Ахир, қонунни эшитганлар эмас, балки қонунга риоя
қиладиганлар Худонинг олдида оқланадилар. [14] Ғайрияҳудийларда Худонинг
қонуни йўқ. Аммо қонунни билмай туриб, улар табиий равишда қонуннинг
буюрганларини бажарсалар, ўзларига ўзлари қонундирлар. [15] Бу билан улар
қонуннинг талаблари ўз юракларида ёзилганини кўрсатадилар. Уларнинг
виждони ҳам бунга шаҳодат беради, чунки уларнинг хаёллари уларни гоҳ

қоралайди, гоҳ оқлайди. 16 Худо инсонларнинг яширин ўй–хаёлларини Исо Масиҳ
орқали ҳукм қиладиган кунда буларнинг ҳаммаси аён бўлади. Мен келтирган
Хушхабарда ана шулар баён этилган.

Яҳудийлар ва қонун

17 Мана, орангиздагиларнинг баъзилари: “Мен яҳудийман”, дейдилар, қонунга*
суянган ҳолда, “Худога яқинман”, деб мақтанадилар. 18 Эй яҳудий! Сен Худонинг
хоҳиш–иродасини билиш ва яхшини ёмондан фарқ қилишни қонундан ўрганиб
олибсан. 19-20 Худонинг қонунида барча илм–маърифат ва ҳақиқат мужассам.
Сенда мана шу қонун борлиги учун сен кўрларга йўл кўрсатувчи, зулматда
қолганларга нур, ғофилларга мураббий, ғўр болаларга эса муаллим эканлигингга
ишончинг комил. 21 Шундай экан, сен қандай қилиб бошқаларга таълим бера
туриб, ўзингга таълим бермайсан?! 22 “Ўғрилик қилма”, деб насиҳат қилиб туриб,
ўғрилик қиласанми?! “Зино қилма”, деб туриб, ўзинг зино қиласанми?!
“Бутлардан жирканаман”, деб туриб, куфрлик қиласанми?!* 23 Қонунни биламан,
деб мақтанасан–у, лекин қонунни бузиб, Худонинг номига доғ туширасанми?!
24 Ахир, Муқаддас битикларда шундай ёзилган–ку: “Сизларни деб, халқлар
орасида Худонинг номи ҳақорат қилинмоқда.”*

25 Суннат* масаласига келайлик. Агар сен қонунга риоя қиладиган бўлсанг,
суннатнинг фойдаси бор. Аммо қонунни бузсанг, сенинг суннатинг
суннатсизликдан ҳеч фарқ қилмайди. 26 Худди шунингдек, агар суннат
қилинмаганлар қонунга амал қилсалар, уларнинг суннатсизлиги суннатдай қабул
қилинмайдими?! 27 Шундай экан, суннатсиз бўла туриб, қонунга амал қиладиган
одам сени маҳкум қилмайдими?! Ахир, сенда Муқаддас битиклар бор, сен суннат
қилингансан–у, лекин барибир Худонинг қонунини бузасан. 28 Яҳудий
урф–одатлари билан яшайдиганларнинг ҳаммаси ҳам асл яҳудий эмас. Жисмоний
суннатнинг ўзи ҳам суннатнинг асл мақсадини бажармайди. 29 Асл яҳудийлик
юракдан келиб чиқади. Асл суннат, яъни юракнинг суннати қонунга амал
қилишдан келиб чиқмайди, балки Руҳ томонидан қилинади. Асл яҳудий
инсонларнинг эмас, балки Худонинг мақтовига сазовор бўлади.

3–БОБ

Худонинг садоқати

1 Хўш, яҳудийларнинг қандай устунлиги бор? Ёки суннатнинг* нима фойдаси
бор? 2 Яҳудийлар ҳар жиҳатдан катта устунликка эгадирлар. Бу устунлик, энг
аввало, шундан иборатки, Худонинг каломи уларга ишониб топширилган.
3 Уларнинг баъзилари ишонмаган бўлса, нима бўпти? Уларнинг ишонмаганлиги
Худонинг садоқатини бекор қиладими? 4 Йўқ, асло! Ахир, ҳар бир инсон ёлғончи
бўлса ҳам, Худо ҳақдир. Муқаддас битикларда Худо ҳақида шундай ёзилган–ку:

> “Шу боис ҳукм қилганингда Сен барҳақсан,
> Айбимни фош этганингда доимо тўғри бўлиб чиқасан.”*

5 Инсоний фикр юритиб айтайин: агар бизнинг қабиҳлигимиз Худонинг
одиллигини янада очиқроқ кўрсатса, нима ҳам дердик? Бошимизга қаҳр–ғазаб
ёғдиргани учун Худо адолатсизми? 6 Йўқ, асло! Худо одилдир. Худо адолатсиз
бўлганда эди, қандай қилиб дунёни ҳукм қила оларди?! 7 Менинг ёлғончилигим
Худонинг ҳақлигига урғу бериб, Унга янада кўпроқ шон–шуҳрат келтирар экан,
нима учун мен гуноҳкор сифатида маҳкум қилинишим керак? 8 Шундай экан,

“Яхшилик келтирсин деб, ёмонлик қилаверайликми?” дейишимиз керакми?! Баъзилар бизга туҳмат қилиб, Павлус ўшандай таълим беряпти, деб айтмоқдалар. Бундай туҳмат қилганлар жазога лойиқдир.

Ҳамма гуноҳкордир

9 Хўш, биз, яҳудийлар, бошқалардан устунмизми? Йўқ, асло! Юқорида исботлаб ўтганимдай, хоҳ яҳудий бўлсин, хоҳ ғайрияҳудий бўлсин, ҳар бир инсон
гуноҳнинг ҳокимияти остидадир. 10 Ахир, Муқаддас битикларда қуйидагидай
ёзилган–ку:

“Ҳеч бир солиҳ кимса йўқдир,
Ҳатто биронта ҳам йўқ!
11 Биронта ҳам идрокли зот йўқ,
Ҳеч ким Худога юз бурмайди.
12 Ҳаммаси йўлдан озган, бирдай бузилган,
Яхшилик қилувчи бир кимса йўқдир,
Ҳатто биронта ҳам йўқ!*
13 Очиқ қабр кабидир оғизлари,
Улар ёлғон гапиради.
Тилларидан илон заҳри томади*.
14 Уларнинг оғзидан аччиқ сўзлар, лаънат чиқади*.
15 Уларнинг оёқлари қон тўкишга шошилади,
16 Қадамидан ҳалокату вайрона келади.
17 Улар тинчлик йўлларини билмайди*,
18 Улар Худодан қўрқмайди.”*

19 Биз биламизки, қонун неки буюрган бўлса, қонунга қарам бўлганларга буюрган, токи ҳар бир оғиз юмилсин ва бутун дунё Худо олдида жавобгар бўлсин.
20 Зотан, қонунга амал қилиш орқали ҳеч ким Худонинг олдида оқлана олмайди, чунки қонун инсонга гуноҳкорлигини янада аниқроқ кўрсатади.

Гуноҳкорни оқлаш — Худонинг иши

21 Мана энди қонунга алоқасиз равишда оқланиш йўлини Худонинг Ўзи аниқ кўрсатди. Буни Таврот ва Пайғамбарлар битиклари* тасдиқлайди. 22 Биз Исо Масиҳга бўлган имонимиз орқали Худонинг олдида оқланамиз. Одамлар орасида ҳеч бир фарқ йўқ. 23 Ахир, ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир. 24 Лекин гуноҳкорлар Исо Масиҳ орқали гуноҳларидан озод бўладилар. Улар оқланишга лойиқ бўлмасалар–да, Худонинг инояти билан оқланадилар. 25-26 Худо Исо Масиҳни бу дунёга юборди. Масиҳга ишонганларнинг ҳаммаси Унинг тўкилган қони орқали Худо билан яраштди*. Шундай қилиб, Худо Ўзининг адолатини намоён қилди. У ўтмишда сабр–тоқат қилиб, илгари қилинган гуноҳларни жазосиз қолдирган эди, энди эса Исо Масиҳга ишонганларни оқлаб, Ўзининг ҳақ эканлигини кўрсатмоқда.

27 Энди мақтанишга арзигулик нарсамиз қолдими? Йўқ, мақтовга ўрин йўқ. Нима сабабга кўра? Амрларни бажо келтиришни талаб қилувчи қонунга кўрами? Йўқ, инсонлар имон орқали оқланганда мақтанишга ҳеч ўрин қолмайди. 28 Ахир, инсон қонун талабларини бажо қилиш орқали эмас, балки имон орқали оқланади, биз бунга қаноат ҳосил қилдик. 29 Наҳотки Худо фақат яҳудийларнинг Худоси бўлса?! У бошқа халқларнинг ҳам Худоси эмасми? Албатта, У бошқа халқларнинг ҳам Худосидир. 30 Ахир, Худо ягона–ку! Суннатлиларни ҳам, суннатсизларни ҳам Худо имон орқали оқлайди. 31 Демак, биз бу имон билан қонунни бекор

қиляпмизми? Йўқ, асло! Аксинча, қонунни тасдиқлаяпмиз.

4–БОБ

Иброҳимнинг ибратли имони

1 Хўш, биз бобокалонимиз Иброҳим ҳақида нима деймиз? Иброҳим қандай
қилиб иноят топди? 2 Агар Иброҳим савоб ишлари туфайли оқланганда эди, унинг
мақтанишга ҳақи бўларди, аммо Худонинг олдида ҳеч ким мақтана олмайди.
3 Ахир, Муқаддас битикларда нима деб ёзилган? “Иброҳим Худога ишонди, Худо
уни ишончи учун, солиҳ деб билди.”* 4 Меҳнаткашга тўланадиган маош илтифот
эмас, хизмат ҳақидир. 5 Бироқ қонунни бажаришга суянмай, балки бетавфиқни
оқловчи Худога ишонган киши ўз ишончи туфайли оқланади. 6 Мана, қонун
талабларини бажо қилган–қилмаганидан қатъий назар, Худо томонидан
оқланган одамни Довуд ҳам бахтли деб айтади:

7 “Итоатсизлиги кечирилганлар бахтлидир,
Эгамиз кимнинг гуноҳидан ўтган бўлса,
Ўша инсон бахтлидир.
8 Эгамиз кимнинг айбини ёзмаган бўлса,
Ўша инсон бахтлидир.”*

9 Бу бахтиёрлик фақат суннат қилинганларга* мансубми ёки суннатсизларга*
ҳам тегишлими? Айтиб ўтганимиздай, Худо Иброҳимни ишончи учун солиҳ деб
билди. 10 Хўш, бу қачон содир бўлди? Иброҳим суннат бўлишидан олдинми ёки
кейинми? Суннат бўлишидан олдин! 11 У суннатни имон орқали сазовор бўлган
солиҳлигининг муҳри сифатида қабул қилди. У суннат қилинмасдан олдин
оқланганди. Шундай қилиб, Иброҳим суннатсиз ҳолда имон келтириб оқланган
ҳар бир инсоннинг отаси бўлди. 12 Айни замонда, Иброҳим суннатлиларнинг ҳам
отаси ҳисобланади. Аммо шарти шуки, суннатлиларнинг имони ҳам отамиз
Иброҳим суннат қилинмасдан олдин эга бўлган имондай бўлиши керак.

Худо Ўз ваъдасида туради

13 Худо Иброҳимга ва унинг наслига, сизлар ер юзини мулк қилиб оласизлар,
деб ваъда берган эди. Иброҳим қонунга итоат қилгани учун эмас, балки Худо уни
ишончи туфайли солиҳ деб билгани учун Худо бу ваъдани берди. 14 Агар қонунга
суянадиганлар ер юзини мулк қилиб оладиган бўлса эди, унда имон беҳуда, ваъда
эса қуруқ бўлиб қолар эди. 15 Ахир, қонун Худонинг ғазабини қўзғатади, холос.
Қонун бўлмаса, қонунбузарлик ҳам бўлмайди. 16 Шу сабабдан, Худонинг ваъдаси
Унинг иноятига боғлиқ бўлиб, фақат имон билан қабул қилинади. Иброҳимнинг
имонидай имонга эга бўлганларнинг ҳаммаси қонунга амал қилиб яшайдими,
йўқми, унинг зурриёти ҳисобланади. Худонинг ваъдаси албатта уларга ҳам
дахлдордир. Ахир, Иброҳим ҳаммамизнинг отамиздир. 17 Муқаддас битикларда
қуйидагича ёзилган–ку: “Мен сени кўплаб халқларнинг отаси қиламан.”*
Ўликларни тирилтирувчи ва мавжуд бўлмаган нарсаларни вужудга келтирувчи
Худога ишониб, Иброҳим ҳаммамизнинг отамиз бўлди.

18 Худо Иброҳимга яна: “Сенинг наслинг сон–саноқсиз бўлади”*, деган эди.
Иброҳим кўп халқларнинг отаси бўлишга ҳеч бир умиди қолмаганига қарамасдан,
имони туфайли умидвор эди. 19 Ўзи юз ёшга яқинлашиб, бадани анча заифлашиб
қолганига ва хотини Соранинг бепуштлигига қарамай, Иброҳимнинг имони
заифлашмади. 20 Иброҳим имонсизлик қилмади, Худонинг ваъдасидан

шубҳаланмади, балки имонида маҳкам туриб, Худони улуғлади. 21 Худо берган
ваъдасини бажо келтиришга қодир, деб Иброҳим қатъий ишонар эди. 22 Мана шу
ишончи учун Худо Иброҳимни солиҳ деб билди. 23 Бу сўзлар фақатгина Иброҳимга
тегишли эмас, 24 балки биз учун ҳам айтилган. Агар Раббимиз Исони ўликдан
тирилтирган Худога ишонсак, Худо бизни ҳам оқлайди. 25 Худо бизнинг
гуноҳларимиз учун Исо Масиҳни ўлимга топширди ва оқланишимиз учун Уни
тирилтирди.

5–БОБ

Худо билан ярашиш

1 Биз имонимиз туфайли оқланганимиз учун Раббимиз Исо Масиҳ орқали Худо
билан ярашиб, тинчликка эришдик. 2 Раббимиз Исо Худонинг иноятини эшигини
бизга очиб берди. Биз имон туфайли бу иноятга эришиб, маҳкам турамиз ҳамда
Худонинг улуғворлигига шерик бўлиш умидимиз борлигидан фахрланамиз.
3 Фақатгина ўша умидимиз билан эмас, балки азоб–уқубатларимиз билан ҳам
фахрланамиз, чунки азоб–уқубатлар сабр–тоқат ҳосил қилишини биламиз.
4 Сабр–тоқат Худога маъқул феъл–атворни, бундай феъл–атвор эса умидни ҳосил
қилади. 5 Умидимиз бизни уятга қолдирмайди. Чунки бизга берилган Муқаддас
Руҳ орқали юракларимиз Худонинг меҳр–муҳаббати билан тўлиб–тошади.
6 Ҳа, биз чорасиз бўлганимизда, белгиланган вақтда Масиҳ биз — бетавфиқлар
учун ўлди. 7 Солиҳ инсон учун ҳам ўлишга рози бўладиган бирорта инсонни
топиш қийин. Эҳтимол, кимдир ҳимматли инсон учун ўлишга журъат қилар.
8 Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масиҳ биз учун ўлди. Шу йўсинда
Худо бизга бўлган Ўз меҳр–муҳаббатини намоён қилди. 9 Демак, биз Масиҳнинг
тўкилган қони туфайли оқланган эканмиз, албатта У бизни Худонинг
қаҳр–ғазабидан қутқаради. 10 Биз ҳали Худонинг душманлари бўлган пайтимизда,
Худо Ўз Ўғлининг ўлими орқали бизларни Ўзи билан яраштирди. Биз энди Худо
билан ярашган эканмиз, албатта Ўғлининг ҳаёти туфайли нажот топамиз.
11 Бундан ташқари, биз Раббимиз Исо Масиҳ туфайли Худо билан бўлган
муносабатимиздан фахрланамиз. Ахир, Исо Масиҳ орқали биз Худо билан
ярашганмиз–ку.

Одам Атодан — ўлим, Масиҳдан — ҳаёт

12 Бир одамнинг дастидан дунёга гуноҳ кириб келди. Гуноҳдан эса ўлим келиб
чиқди. Натижада инсонлар ўладиган бўлди, чунки ҳамма гуноҳкордир. 13 Қонун
мавжуд бўлмасдан олдин ҳам дунёда гуноҳ бор эди, лекин қонун йўқлигида гуноҳ
ҳисобга олинмайди. 14 Шунга қарамай, Одам Атодан Мусога қадар яшаганларнинг
гуноҳлари айнан Одам Атонинг гуноҳидай бўлмаса–да, ўлим уларнинг устидан
ҳокимлик қилди.

Одам Ато келадиган Зотнинг тимсоли бўлди: 15 бир кишининг гуноҳи туфайли
ҳамма ўладиган бўлди, шунга ўхшаб бир Одам, яъни Исо Масиҳнинг иноятн
орқали ҳамма Худонинг бой эҳсонидан баҳраманд бўла олади. Бироқ Худонинг
эҳсонини Одам Атонинг гуноҳи билан солиштириб бўлмайди. 16 Худонинг эҳсони
билан Одам Атонинг гуноҳи орасидаги фарқ қуйидагидан иборат: ўша бир
гуноҳнинг оқибати маҳкум қилинишга олиб борди, кўп гуноҳлардан кейин
берилган эҳсон эса оқланишни келтириб чиқарди. 17 Тўғри, биттагина одамнинг
гуноҳи туфайли, ўша одамнинг дастидан ўлим ҳокимлик қила бошлади. Аммо
Худонинг чексиз иноятн билан оқланганларнинг ҳаммаси энди бир Одам, яъни
Исо Масиҳ орқали абадий ҳаётда ҳокимлик қиладилар.

18 Шунга кўра, бир гуноҳ ҳаммани маҳкум қилгандай, бир солиҳ иш туфайли
ҳамма оқланиб, янги ҳаётдан баҳраманд бўла олади. 19 Бир одамнинг
итоатсизлиги туфайли кўп одамлар гуноҳкор бўлган бўлса, энди бир Кишининг
итоаткорлиги туфайли ҳамма солиҳ бўла олади. 20 Қонун берилгандан кейин
гуноҳ кўпайиб кетди. Лекин қаерда гуноҳ кўп бўлса, Худонинг иноятиянада
кўпроқ намоён бўлади. 21 Гуноҳ ҳокимлик қилиб, бизни ўлимга бошлар эди. Аммо
биз оқландик ва Раббимиз Исо Масиҳ орқали абадий ҳаётга эгамиз. Бундан
кўриниб турибдики, энди Худонинг иноятиҳукм сурмоқда.

6–БОБ

Масиҳ билан ўлиб, тириламиз

1 Хўш, нима дейлик? Иноят кўпаяверсин деб, гуноҳ қилишда давом
этаверамизми? Йўқ, асло! 2 Биз гуноҳ учун ўлганмиз. Энди қандай қилиб гуноҳ
қилиб яшайверамиз? 3 Унутманглар, чўмдирилиш орқали биз — Масиҳга тегишли
бўлганлар Унинг ўлимига шерик бўлдик! 4 Биз сувга чўмдирилиб, Масиҳ билан
бирга ўлдик ва кўмилдик. Отамиз Худонинг улуғвор қудрати билан Исо Масиҳ
ўликдан тирилганидай, биз ҳам янги ҳаётга эга бўламиз. 5 Биз чўмдирилиб, Исо
Масиҳнинг ўлимига шерик бўлган бўлсак, албатта Унинг ўликдан тирилишига
ҳам шерик бўламиз.

6 Биз биламизки, эски ўзлигимиз Масиҳ билан бирга хочга михлангани учун,
гуноҳга берилган бу вужудимиз йўқ қилинди. Энди биз гуноҳга қул эмасмиз.
7 Ахир, ўлган одам гуноҳнинг амри остида эмас–ку! 8 Агар биз Масиҳ билан бирга
ўлган бўлсак, У билан яшашимизга ҳам ишончимиз комил.

9 Биз биламизки, Масиҳ ўликдан тирилгани учун У энди бошқа ўлмайди, ўлим
энди Унга ҳоким бўла олмайди. 10 Масиҳ ўлгани учун гуноҳ энди Унга ўз
таъсирини кўрсата олмайди, Унинг янги ҳаёти Худога шуҳрат келтиради.
11 Шунинг учун сизлар ўзингизни гуноҳ олдида ўлик деб ҳисобланг. Энди Исо
Масиҳ туфайли Худога шуҳрат келтириб яшашингиз керак.

12 Шундай қилиб, энди гуноҳ сизларнинг фоний таналарингиз устидан
ҳокимлик қилмасин, худбин истакларингизга итоат этманглар. 13 Танангизнинг
ҳеч бир аъзосини ёмонлик қуроли қилиб, гуноҳнинг измига топширманглар.
Аксинча, ўзингизни Худонинг измига топширинглар, чунки сизлар олдин ўлик
эдингизлар, энди эса янги ҳаётга эгасизлар. Сизларнинг танангиз Худонинг
солиҳлик қуроли бўлсин. 14 Гуноҳ сизларнинг устингиздан ҳукмрон бўлмайди,
чунки сизлар энди қонун остида эмас, балки иноят паноҳидасизлар.

Солиҳликка қул бўлиш ҳақида

15 Хўш, буёғи энди нима бўлади? Қонун остида эмас, иноят паноҳида
бўлганимиз учун гуноҳ қилаверайликми? Йўқ, асло! 16 Биласизлар–ку, сиз
ўзингизни итоаткор қул қилиб кимнинг измига топширсангизлар, ўшанинг қули
бўласизлар. Сизлар кимга бўйсунасизлар? Ўлимга олиб борувчи гуноҳгами ёки
солиҳликка етакловчи итоаткорликками? 17 Аммо Худога шукурки, сизлар олдин
гуноҳга қул бўлсангиз ҳам, энди сизларга ўргатилган таълимотга сидқидилдан
амал қиляпсизлар. 18 Сизлар энди гуноҳнинг чангалидан озод қилиниб,
солиҳликнинг қули бўлиб қолдингизлар.

19 Инсон онги заиф бўлгани учун мен кундалик ҳаётдан мисол келтириб
гапиряпман. Сизлар бир вақтлар аъзойи баданингизни ифлослик ва
қонунсизликка топшириб, гуноҳга янада чуқурроқ ботиб кетган эдингиз. Энди
эса ўзингизни муқаддасликка етаклайдиган солиҳликка қул қилиб топширинг.

20 Ахир, гуноҳга қул бўлган пайтингизда, тўғри ишлар қилишга мажбур
эмасдингиз. 21 Ўша пайтдаги қилмишларингизнинг оқибати нима бўлди?! Ҳозир
улардан уяляпсиз, ўша қилмишларингизнинг оқибати ўлим–ку! 22 Энди гуноҳдан
озод қилиниб, Худонинг қули бўлиб қолдингиз. Бунинг натижаси муқаддаслик ва
абадий ҳаётдир. 23 Гуноҳнинг эвази — ўлим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо
Масиҳ орқали бериладиган абадий ҳаётдир.

7–БОБ

Никоҳ қонунидан мисол

1 Эй биродарлар, ахир, сизлар биласизлар–ку, (мен қонунни биладиганларга
айтяпман), қонун фақат тирик инсоннинг устидан ҳукмронлик қилади. 2 Масалан,
эрли хотиннинг эри тирик экан, қонун бўйича у эрига боғлиқ. Аммо эри ўлса, у
никоҳдан озод бўлади. 3 Шунинг учун ҳали эри тирик бўлган хотин бошқа эрга
тегса, у зинокор деб ҳисобланади. Аммо эри ўлса, хотин ўша қонундан озод
бўлади ва бошқа эрга тегса ҳам, зино қилган ҳисобланмайди.

4 Шунга ўхшаб, сизлар ҳам, эй биродарларим, Масиҳнинг ўлими орқали қонун
учун ўлгансизлар. Энди қонундан озодсизлар, ўзингизни Бошқасига, яъни
ўликдан тирилган Масиҳга бағишлай оласизлар. Бунинг натижасида эса биз
Худонинг йўлида самарали ишлар қила оламиз. 5 Зеро, биз башарий табиатимиз
амри билан яшаган пайтимизда, қонун бизнинг аъзойи баданимизда гуноҳкор
эҳтиросларни қўзғатарди. Уларнинг самараси эса ўлимдир. 6 Энди эса бизни асир
қилган қонун учун ўлдик ва ундан озод бўлдик. Шундай қилиб, биз эскичасига,
яъни ёзилган қонун етакчилигида эмас, балки янгичасига*, яъни Муқаддас Руҳ
етакчилигида Худога хизмат қиламиз.

Қонун ва гуноҳ

7 Хўш, унда нима деймиз? Қонун гуноҳнинг манбаими? Йўқ, асло! Аммо қонун
бўлмаганда эди, мен гуноҳ нима эканлигини билмаган бўлар эдим. Масалан,
қонун “бошқаларнинг мулкига кўз олайтирма”* деб буюрмаганда эди, мен бунинг
гуноҳ эканлигини билмаган бўлардим. 8 Аммо гуноҳ бу амрдан фойдаланиб,
менинг юрагимда ҳар хил нафсу ҳасадни қўзғатди. Қонун бўлмаган жойда гуноҳ
ўликдир.

9 Бир вақтлар мен қонунни билмай яшардим. Аммо амр бор эканлигини
билганимдан кейин, гуноҳ тирилди, 10 мен эса ўлдим. Амр ҳаёт келтириши керак
эди, аммо менинг ўлимимга сабабчи бўлди. 11 Чунки гуноҳ амрдан фойдаланиб,
мени алдади ва амр орқали мени ўлдирди. 12 Аммо қонун барибир муқаддасдир,
унинг ҳар бир амри муқаддас, одил ва яхшидир.

13 Хўш, яхши бўлган қонун менга ўлим келтирдими? Мутлақо! Гуноҳ менга
ўлим келтириш учун яхши нарсадан фойдаланди. Гуноҳнинг гуноҳ эканлиги очиқ
кўриниши учун шундай бўлди. Шундай қилиб, амр орқали гуноҳнинг нақадар
ёмон эканлиги ошкор бўлди.

Гуноҳга қарши кураш

14 Қонунни Худо берган. Мен эса гуноҳга қул қилиб сотилган ожиз бандаман.
15 Ахир, ўзим қилаётган ишларни ўзим тушунмайман, чунки қилишни
хоҳлаганларимни қилмайман, аксинча, нимани ёмон кўрсам, шуни қиламан.
16 Ўзим хоҳламаган ишларни қилаётган эканман, бу билан қонуннинг яхши
эканлигини маъқуллаётган бўламан. 17 Демак, бу ишларни мен ўзим эмас, балки
юрагимдаги гуноҳ қилаётган бўлади.

18 Менда, яъни башарий табиатимда ҳеч қандай яхши жиҳат йўқлигини аниқ
биламан. Яхшилик қилиш истаги дилимда бор бўлса–да, уни рўёбга чиқаришга
кучим етмайди. 19 Ўзим қилишни хоҳлаган яхшиликни қилмайман–да, унинг
ўрнига ўзим қилишни хоҳламаган ёмонликни қиламан. 20 Ўзим хоҳламаган ишни
қилаётган эканман, демак, бу ишни мен эмас, балки юрагимдаги гуноҳ қиляпти.
21 Мен бундан ушбу хулосани чиқараман: яхшилик қилмоқчи бўлганимда,
қалбимда ҳамиша ёмонлик пойлаб туради. 22 Бутун қалбим билан Худонинг
қонунидан завқ оламан. 23 Аммо аъзойи баданимда бошқа бир қоида амал
қилмоқда. Бу қоида онгимдаги қонунга қарши кураш олиб бориб, аъзойи
баданимда амал қилувчи гуноҳ қоидасига мени асир қиляпти. 24 Оҳ, мен шўрлик
одам! Ўлим сояси остидаги бу аҳволимдан ким мени қутқарар экан? 25 Худога
шукур! Раббимиз Исо Масиҳ орқали У бизни қутқаради!

Хулласи калом, мен онгим билан Худонинг қонунига қул бўлсам–да, башарий
табиатим гуноҳ қоидасига қулдир.

8–БОБ

Муқаддас Руҳнинг етакчилигида яшаш

1 Исо Масиҳга тегишли бўлганлар* энди ҳукм қилинмайдилар. 2 Ҳаёт ато
этувчи Руҳнинг қонун–қоидаси Исо Масиҳ орқали бизни* гуноҳдан ва ўлимга
етаклайдиган қонундан озод қилди. 3 Инсон Худонинг қонунини бажара олмагани
учун қонун таъсирсиз бўлиб қолди. Қонун инсонни гуноҳдан қутқара олмагани
учун Худонинг Ўзи одамларни қутқарди. У Ўз Ўғлини гуноҳкор инсонга ўхшатиб,
бу дунёга юборди ва гуноҳнинг қудратини йўқ қилди*. Шу йўсин Худо инсон
орқали гуноҳни маҳкум қилди. 4 Биз — башарий табиатнинг эмас, балки Руҳнинг
етакчилигида яшаётганлар — қонун талаб қилган солиҳликка эришишимиз учун
Худо шундай қилди.

5 Башарий табиат етакчилигида яшайдиганлар башарий фикр қиладилар.
Руҳнинг етакчилигида яшайдиганлар эса Руҳни мамнун қиладиган нарсалар
ҳақида фикр қиладилар. 6 Башарий табиат етакчилигида фикр қилиш ўлимга
етаклайди, Руҳ етакчилигида фикр қиладиганлар эса ҳаёт ва тинчликка эга
бўладилар. 7 Башарий табиат етакчилигида фикр қилиш Худога душманликдир,
чунки бундай табиат Худонинг қонунига итоат қилмайди, дарҳақиқат, итоат қила
олмайди ҳам. 8 Башарий табиат етакчилигида яшайдиганлар Худони мамнун қила
олмайди.

9 Агар Худонинг Руҳи ҳақиқатан ҳам сизларнинг қалбингизда макон қилган
бўлса, сизлар энди башарий табиат амри билан эмас, балки Руҳ амри билан
яшаяпсизлар. Кимки Масиҳнинг Руҳига эга бўлмаса, у Масиҳга тегишли эмас.
10 Аммо Масиҳ сизнинг қалбингизда макон қилган. Тўғри, гуноҳ туфайли танангиз
ўлимга маҳкум қилинган, лекин энди Худонинг Руҳи сизлар учун ҳаёт
манбаидир*, чунки сизлар оқлангансиз. 11 Исони ўликдан тирилтирган Худонинг
Руҳи қалбингизда яшаяпти. Исо Масиҳни ўликдан тирилтирган Худо
юрагингизда яшаётган Ўз Руҳи орқали сизларнинг фоний танангизни ҳам
ўликдан тирилтиради.

12 Шундай қилиб, эй биродарлар, энди биз башарий табиатимизнинг амри
билан яшашга мажбур эмасмиз. 13 Ахир, башарий табиат етакчилигида яшасангиз,
ўласизлар, аммо Руҳ орқали ўша табиатнинг қилмишларига чек қўйсангиз,
яшайсизлар.

14 Худо Руҳининг етакчилигида яшайдиганларнинг ҳаммаси Худонинг

фарзандларидир. 15 Худо бизга Ўз Руҳини берди. Буни яна қул бўлиб, қўрқувда
яшашимиз учун эмас, балки Унинг фарзанди бўлиб, Руҳ орқали Худони “Отажон”*
деб чақиришимиз учун қилди. 16 Худонинг Руҳи бизнинг руҳимизга қўшилиб, биз
Худо фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бериб туради. 17 Биз Худонинг
фарзандлари эканмиз, демак, фарзандлардай Унинг ваъда қилган баракаларига
эга бўламиз, Масиҳ билан бирга бу баракаларни баҳам кўрамиз. Биз Масиҳнинг
азоб–уқубатларига шерик эканмиз, албатта, Унинг улуғворлигига ҳам шерик
бўламиз.

Ҳозирги азоб–уқубатлар ва келажакдаги улуғворлик

18 Ишончим комилки, ҳозирги азоб–уқубатларимиз бизга зоҳир қилинадиган
улуғворлик олдида ҳеч нарса эмас. 19 Ахир, Худонинг фарзандлари ким
эканлигининг аён қилинишини бутун мавжудот интизорлик билан кутяпти.
20-21 Чунки мавжудот беҳудаликка мубтало бўлган*. Бу — мавжудотнинг ихтиёри
билан эмас, балки Худонинг ихтиёри билан бўлди. Шундай бўлса–да, мавжудот
чириб–битиш қуллигидан озод этилиб, Худонинг фарзандлари билан бирга
улуғвор эркинликдан баҳраманд бўлишига умид бор*.

22 Ахир, бутун мавжудот гўё тўлғоқ азобида, ҳозирга қадар оҳ–нола
қилаётганини биламиз. 23 Нафақат мавжудот, балки биз ўзимиз — Худонинг Руҳи
билан яшаш қандай эканлигини татиб кўрганлар ҳам — ич–ичимиздан оҳ–нола
қиляпмиз. Худонинг фарзандлари қилиб асраб олинганимизнинг тўлиқ рўёбга
чиқишини ҳамда ўладиган баданимизнинг чириб–битишдан озод бўлишини
интизорлик билан кутяпмиз. 24 Умидимизнинг рўёбга чиқишини кутиб, нажот
топганмиз. Кўзга кўриниб турган нарса умид эмас. Ахир, ким кўриб турган
нарсани умид қилади?! 25 Агарда биз кўрмаганимизни умид қилаётган бўлсак,
буни сабр билан кутсак бўлади.

26 Бунинг устига, ожизлигимизда Руҳ бизга мадад беради. Чунки биз қандай
ибодат қилишни билмаймиз, аммо Руҳнинг Ўзи ифода қилиб бўлмас оҳ–нолалар
билан биз учун Худо олдида шафоат қилади. 27 Инсонларнинг юрагини синовчи
Худо Руҳнинг фикри нимада эканлигини билади, чунки Руҳ Худонинг иродасига
кўра, Унинг азизлари учун шафоат қилади.

28 Биз биламизки, Худони яхши кўрганларга ҳамма нарса яхшиликка хизмат
қилади, чунки Худо уларни Ўзининг мақсадига кўра, даъват этган. 29 Худо уларни
азалдан танлаб олган эди ва “Менинг Ўғлимга ўхшаган бўлсинлар”, деб олдиндан
белгилаб қўйган эди, токи Ўғил кўп биродарлар орасида тўнғич бўлсин*. 30 Худо
олдиндан белгилаб қўйганларни даъват этди, даъват этганларни оқлади,
оқлаганларни Ўзининг улуғворлигидан баҳраманд қилди.

Худонинг меҳр–муҳаббати

31 Энди бунга нима деймиз? Худо биз томонда экан, ҳеч ким бизга қарши тура
олмайди! 32 Худо Ўз Ўғлини аямай, ҳаммамиз учун Уни фидо қилган бўлса, Унга
қўшиб, қолган ҳамма нарсани ҳам бизга ато қилмасмикан?! 33 Худонинг
танлаганларини ким айблай оларди?! Худонинг Ўзи уларни оқлайди–ку! 34 Бизни
ким маҳкум қилар экан?! Ахир, ўлиб, тирилган, Худонинг ўнг томонида* ўтирган
Исо Масиҳнинг Ўзи биз учун шафоат қилмоқда–ку! 35 Ким бизни Масиҳнинг*
меҳр–муҳаббатидан ажрата олади? Азоб–уқубатми, изтиробми, қувғинми,
очликми, яланғочликми, хавф–хатарми ёки қиличми? 36 Муқаддас битикларда
ёзилган–ку:

> “Сен туфайли ҳар куни ўлимга дуч келамиз,
> Бўғизланадиган қўйдай бўлиб қолганмиз.”*

37 Ахир, бизни яхши кўрадиган Масиҳ орқали ҳамма қийинчиликлар устидан
бутунлай ғалаба қозонамиз. 38 Мен аминманки, ўлим ҳам, ҳаёт ҳам, фаришталару
жинлар ҳам, ҳеч қандай ғайритабиий кучлар ҳам, ҳозиргию келгуси ҳодисалар
ҳам, 39 баландликлару чуқурликлар ҳам, яратилган биронта мавжудот ҳам бизни
Раббимиз Исо Масиҳ шахсидаги Худонинг меҳр–муҳаббатидан жудо қилишга
қодир эмас.

9–БОБ

Худо танлаган халқ

1 Мен Исо Масиҳга тегишли бўлганим учун ҳақиқатни айтяпман, ёлғон
гапирмайман. Бу ҳақда виждоним ҳам Муқаддас Руҳ орқали шаҳодат беряпти. 2 Ўз
халқим учун чуқур қайғуга ботган юрагим муттасил алам чекмоқда. 3 Ўз
қондошларим ҳақи, Худонинг лаънати остида қолиб, Масиҳдан ажралишга ҳам
рози бўлардим. 4 Улар Исроил халқидир. Худо уларни Ўзига фарзанд* қилиб олиш
учун танлади. Ўзининг улуғворлигини уларга намоён қилиб, улар билан аҳдлар*
тузди. Уларга Ўз қонунини бериб, уларни Ўзининг хизматига тайинлади ҳамда
уларга Ўз ваъдаларини берди. 5 Улар улуғ ота–боболардан келиб чиққан, Масиҳ
ҳам жисман Исроил халқидан келиб чиққан. Бутун борлиқ устидан ҳукмдор
бўлган Худога абадий ҳамду санолар бўлсин*. Омин!

6 Худо Ўз сўзида турмади, демоқчи эмасман. Аммо Исроил халқининг ҳаммаси
ҳам Худонинг халқи эмасдир. 7 Шунга ўхшаб, Иброҳимдан туғилганларнинг
ҳаммаси ҳам Иброҳимнинг асл зурриёти деб ҳисобланмайди. Ахир, Худо
Иброҳимга: “Сенинг наслинг Исҳоқ орқали келиб чиқади”*, деб айтган–ку!
8 Демак, жисмоний жиҳатдан Иброҳимнинг фарзандлари бўлганларнинг ҳаммаси
ҳам Худонинг фарзандлари эмасдирлар. Фақатгина Худо берган ваъданинг
натижасида* дунёга келганлар асл зурриёт ҳисобланади. 9 Худонинг Иброҳимга
берган ваъдаси қуйидагича эди: “Мен келгуси йили шу пайтда келганимда,
хотининг Сора ўғилли бўлади.”*

10 Ўша ўғил бобокалонимиз Исҳоқ эди. Вақти келиб, Исҳоқнинг хотини Ривқо
эгизак ўғилларга ҳомиладор бўлди. 11-12 Фарзандлар туғилмасларидан аввал, ҳали
бирорта яхши ёки ёмон иш қилмасларидан олдин Худо Ривқога: “Каттаси
кичигига хизмат қилади”*, деб айтганди. Бундан кўриниб турибдики, Худо Ўз
мақсадини бажариш учун инсонларни танлайди, танланиш инсонларнинг
ишларига эмас, балки Худонинг даъватига боғлиқдир. 13 Ахир, Муқаддас
битикларда: “Мен Ёқубни яхши кўриб, Эсовдан нафратландим”*, деб ёзилган–ку!

14 Хўш, бунга нима деймиз? Худо адолатсизми? Йўқ, асло! 15 Худо Мусога:
“Марҳамат қиладиганимга марҳамат қиламан, шафқат қиладиганимга шафқат
қиламан”*, деб айтган. 16 Шундай қилиб, Худонинг меҳр–шафқати инсон хоҳиши
ва ташаббусига эмас, балки Худонинг иродасига боғлиқ. 17 Муқаддас битикларда
ёзилганидай, Худо фиръавнга: “Сенга қудратимни кўрсатай, бутун оламга
шуҳратимни ёяй деб, сени ҳукмдор қилиб тайинладим”*, деб айтган. 18 Хуллас,
Худо Ўз хоҳиш–иродасига кўра, иш юритади, бир инсонга марҳамат кўрсатади,
бошқа бировнинг эса юрагини тош қилади.

Худонинг ғазаби ва марҳамати

19 Шунда кимдир мендан: “Унда нима учун Худо бизни айблайди? Ахир, ким
ҳам Унинг иродасига қарши чиқа оларди?” деб сўраши мумкин. 20 Эй инсон, сен
ким бўлибсанки, Худога гап қайтарсанг?! Яратилган нарса яратувчисидан: “Нима

учун мени бундай қилиб яратдинг?” деб сўрайдими?! 21 Ахир, кулол ҳам бир лой
қоришмасидан ҳар хил идишлар ясайди–ку! Уларнинг баъзиларини қутлуғ
байрам кунларида ишлатиладиган қилишга, бошқаларини эса ҳар куни
ишлатиладиган идиш қилиб қўйишга ҳақи йўқми?!
22 Тўғри, Худо Ўз ғазаби ва қудратини жазо орқали кўрсатишга ҳақлидир. Аммо
жазога мубтало бўладиганларнинг ҳалокатини орқага суриб, сабр–бардош
кўрсатса, нима бўпти? 23 Шундай қилиб, Худонинг марҳаматига сазовор бўлган ва
Унинг улуғворлигини баҳам кўришга белгиланган одамларга Худо Ўз
улуғворлигининг нақадар бой эканлигини намоён қилади. 24 Нафақат яҳудийлар
орасидан, балки бошқа халқлар орасидан танланганлар қаторида биз ҳам бормиз.
25 Хўшея китобида Худо шундай деб айтган: “Менинг халқим бўлмаганларни «Ўз
халқим» деб атайман. Олдин суюклигим бўлмаганни «Суюклигим» деб айтаман*.
26 Уларга: «Халқим эмас», деб айтилган бўлса, келажакда улар «Барҳаёт Худонинг
фарзандлари» деб аталади.”*
27 Ишаё ҳам Исроил халқи ҳақида шундай деган эди: “Исроил халқининг сони
денгиз қумидай кўп бўлса ҳам, улардан фақатгина саноқли одамлар қутқарилиб,
омон қолади, 28 чунки Эгамиз дунё устидан чиқарган ҳукмини тўла–тўкис ва тезда
ижро этади.”*
29 Булардан олдинроқ Ишаё яна шундай деб айтган эди:

“Агарда Сарвари Олам
Қолдирмаганда эди бизга зурриёт,
Садўм шаҳрининг ҳолига тушар эдик,
Ғамўра шаҳридай* хонавайрон бўлардик.”*

Исроил халқи ва оқланиш

30 Хўш, булар нимани билдиради? Оқланиш пайида бўлмаган халқлар энди
имон туфайли Худонинг олдида оқландилар. 31 Исроил халқи эса оқланиш
ниятида қонунни бажариш пайида бўлдилар, лекин мақсадларига эриша
олмадилар. 32 Нима учун? Чунки улар имон билан эмас, балки қонунни бажариш
орқали оқланишга уриндилар. Улар Муқаддас битикларда тасвирланган тошга
қоқилиб йиқилдилар. 33 Худо Муқаддас битикларда шундай деб айтган эди: “Мен
Қуддусда* бир тош жойлаштиряпман. Баъзилар Унга қоқилиб йиқиладилар, аммо
Унга таянган ҳеч бир инсон уятга қолмайди.”* Бу тош Исо Масиҳдир*.

10–БОБ

Нажот ҳамма учун

1 Биродарларим, мен ўз халқим Исроилнинг нажот топишини чин дилдан
истайман ва бу учун Худога илтижо қиламан. 2 Ахир, ўзим гувоҳман: улар
жон–жаҳдлари билан Худога берилганлар, аммо ҳақиқий тушунчага эга эмаслар.
3 Худонинг инсонларни оқлаш йўлини тушунмасдан, ўзларини оқлаш ниятида,
улар Худонинг ҳақ йўлига бўйсунмадилар. 4 Исо Масиҳ эса қонуннинг мақсадини
амалга оширди, шу тариқа ҳамма имон орқали оқланади.
5 Қонун орқали оқланиш ҳақида Мусо қуйидагича ёзган эди: “Худонинг
қонун–қоидаларига риоя қилган одам ҳаётдан баҳраманд бўлади.”* 6-7 Имон
орқали оқланиш ҳақида эса Муқаддас битикларда нима деб ёзилган?
“Юрагингизда: «Ким осмонга чиқади? Ким тубсиз чуқурликка тушади?» дея
сўраманглар”, деб ёзилган*. Демак, Масиҳни ерга тушириш учун ҳеч ким осмонга
чиқиши шарт эмас, Масиҳни тирилтириш учун ҳам ҳеч ким ўликлар диёрига*

тушиши шарт эмас. 8 Ахир, Муқаддас битикларда яна шундай ёзилган: “Бу калом
сизнинг яқинингиздадир, оғзингизда ва юрагингиздадир.”* Биз ваъз қилаётган
имон ҳақидаги калом ана шудир. 9 Агар ўз оғзингиз билан Исони Раббим деб
эътироф этиб, Худо Уни ўликдан тирилтирганига чин юракдан ишонсангиз,
нажот топасиз. 10 Чунки инсон қалбидан ишониб оқланади ва оғзи билан эътироф
этиб нажот топади. 11 Муқаддас битикларда ёзилгандай: “Унга ишонган ҳеч бир
инсон уятга қолмайди.”* 12 Яҳудийлар билан ғайрияҳудийлар орасида асло фарқ
йўқ. Уларнинг Раббийси бир бўлиб, Унга илтижо қилганларнинг биронтасидан У
Ўз меҳр–шафқатини аямайди. 13 Ахир, “Раббимизга илтижо қилган ҳар бир инсон
қутқарилади”*, деб ёзилган–ку.

14 Аммо Раббимиз Исога ишонмаганлар қандай қилиб Унга илтижо
қиладилар?! У ҳақда эшитмаган бўлсалар, қандай қилиб Унга ишонадилар?! Ҳеч
ким уларга Хушхабарни эълон қилмаса, қандай қилиб эшитадилар?! 15 Уларни ҳеч
ким юбормаса, қандай қилиб Хушхабарни эълон қиладилар?! Муқаддас
битикларда қуйидагича ёзилган–ку: “Хушхабарни эълон қилган хабарчининг
қадамлари нақадар гўзал!”* 16 Аммо Хушхабарга ҳамма ҳам ишонмади. Ишаё ҳам
шундай деган–ку: “Эй Эгам, бизнинг хабаримизга ким ишонди?”*

17 Демак, имон тинглашдан, яъни Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни эшитишдан
келиб чиқади. 18 Менинг бир саволим бор. Хўш, улар эшитмаганмиди? Албатта
эшитганлар, чунки “хабарчиларнинг овозлари ҳар томонга тарқалди, хабарлари
оламнинг четигача етиб борди”*, деб ёзилган–ку. 19 Бундан яна бир савол келиб
чиқади. Хўш, Исроил халқи хабарни тушунмадими? Мусо орқали Худо шундай
деганди:

> “Мен ҳам халқ бўлмаганлар билан уларнинг рашкини келтираман,
> Ақлсиз бир халқ билан ғазабини қўзғатаман.”*

20 Ишаё ҳам Худонинг сўзларини жасорат билан етказган:

> “Мени изламаганлар топди,
> Мени сўрамаганларга кўриндим.”*

21 Исроил халқи ҳақида эса шундай дейди:

> “Итоатсиз ва ўжар халқни
> Кун бўйи қучоқ очиб кутдим.”*

11–БОБ

Худонинг танланган халқи

1 Шундай қилиб, яна бир саволим бор. Наҳотки Худо Ўз халқини рад қилган
бўлса? Йўқ, асло! Мен ўзим Исроил халқидан бўлиб, Иброҳимнинг авлодиданман,
Бенямин қабиласига тегишлиман–ку! 2 Худо азалдан танлаб олган халқини рад
қилгани йўқ. Муқаддас битикларда Илёс ҳақида нима ёзилгани эсингизда йўқми?!
У Исроил халқидан шикоят қилиб, Худога шундай деган эди: 3 “Эй Эгам, Исроил
халқи қурбонгоҳларингни бузди, пайғамбарларингни қиличдан ўтказди. Ёлғиз
мен қолдим, холос. Энди жонимни олиш учун мени ҳам қидириб юрибдилар.”*
4 Худо унга нима деб жавоб берди? “Мен Исроил халқидан Ўзим учун Баал* олдида
тиз чўкмаган етти минг одамни қолдирдим.”* 5 Худди шунга ўхшаб, ҳозир ҳам
Худога содиқ қолганлар бор, чунки улар Худонинг иноятидан бўйича танланганлар.

6 Танлаш инсонларнинг ишларига эмас, Худонинг иноятига боғлиқ. Агар шундай
бўлмаганда эди, иноят ҳақиқий иноят бўлмас эди*.
7 Хуллас, бу нимани билдиради? Исроил халқи солиҳлик пайида бўлса ҳам,
солиҳликка эришмади. Фақатгина танланганлар бу мақсадга эришди,
қолганларнинг эса юраклари тош бўлди. 8 Муқаддас битикларда ёзилгандай*:

"Худо шу пайтгача уларни қаттиқ ухлатиб қўйди,
Уларга кўрадиган кўз, эшитадиган қулоқ бермади."

9 Довуд ҳам шундай деган:

"Дастурхонлари ўзларига тўру тузоқ бўлсин.
Шунда улар қоқилиб,
Жазоларини оладилар.
10 Кўз нурлари сўнсин, кўрмай қолсин,
Беллари то абад букчайиб қолсин."*

11 Бундан яна бир савол келиб чиқади. Яҳудийлар қоқилганда, бутунлай ҳалок
бўлдиларми? Йўқ, асло! Аксинча, улар Масиҳни рад қилганлари учун
ғайрияҳудийлар нажотга эга бўлдилар, токи Исроил халқининг рашки қўзғалсин.
12 Яҳудийлар Масиҳни рад этиб, бутун дунёни янада бойитдилар. Ўзлари йўқотган
бойлик билан ғайрияҳудийларга фойда келтирдилар. Агар уларнинг бу гуноҳи
шундай самара келтирган бўлса, уларнинг нажот топиши қанчалик фойда
келтиришини бир тасаввур қилиб кўринглар–а!

Новдаларнинг пайванд қилиниш мисоли

13 Энди сизларга — ғайрияҳудийларга айтяпман. Тўғри, мен сизларга
Хушхабар келтириш учун юборилганман. Бу хизматимни жон–жаҳдим билан
бажараман, 14 балки бу хизматим билан ўз қондошларим яҳудийларнинг рашкини
қўзғатарман, уларнинг баъзиларини қутқариб қоларман. 15 Яҳудийларнинг рад
этилиши дунёни Худо билан яраштирган бўлса, уларнинг Худо томонидан қабул
қилиниши ўлимдан ҳаётга олиб бормайдими?
16 Биринчи ёпилган нон Худога бағишланиб муқаддас бўлса, хамирнинг
қолгани ҳам муқаддасдир. Агар томирлар муқаддас бўлса, новдалар ҳам
муқаддасдир. 17 Баъзи яҳудийлар дарахтнинг синдириб ташланган новдаларига
ўхшайдилар. Сизлар — ғайрияҳудийлар эса табиий новдалар орасига пайванд
қилинган ёввойи зайтун новдаларига ўхшайсизлар. Энди улар билан бирга бир
томирдан озиқланяпсизлар. 18 Шундай экан, бошқа новдаларга қараб
мақтанманглар. Агар жуда кеккайиб кетсангизлар, ёдга олинглар, сизлар
томирни эмас, балки томир сизларни озиқлантиряпти. 19 Эҳтимол сизлар: "Биз
пайванд қилинишимиз учун новдалар синдирилди", дерсизлар. 20 Тўғри, лекин
эсингизда бўлсин: улар ишонмаганлари учун синдириб ташландилар, аммо
сизлар имонингиз орқали пайванд қилингансиз. Шунинг учун кеккайиб
кетманглар, балки Худодан қўрқинглар. 21 Акс ҳолда, Худо табиий новдаларни
аямагани каби, сизларни ҳам аямайди.
22 Шундай қилиб, Худонинг меҳрибонлиги ва қаттиққўллиги ҳақида ўйлаб
кўринг: Худонинг нажотини рад қилганларга У қаттиққўллик қилди, сизларга —
пайванд қилинганларга эса У меҳрибонлик кўрсатди. Агар Худога содиқ
қолсангиз, Унинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлаверасиз. Бўлмаса, Худо
сизларни ҳам кесиб ташлайди. 23 Нажотни рад қилганлар ўз имонсизликларини
бас қилсалар, пайванд қилинадилар. Худо уларни қайта пайванд қилиб қўйишга

қодир. 24 Ахир, сизлар ёввойи зайтун дарахтидан кесиб олиниб, парваришланган
зайтун дарахтига, табиатга хилоф равишда, пайванд қилиндингиз. Шундай экан,
улар, табиий новдалар, ўзларининг дарахтига қанчалар осонлик билан қайта
пайванд қилинадилар–а!
25 Биродарларим, сизлар тағин ўзбилармон бўлиб кетманглар деб, бу сирни
сизларга билдирмоқчиман: белгиланган миқдордаги ғайрияҳудийлар нажот
топмагунча, Исроил халқининг баъзилари ўжар бўлиб қолаверадилар. 26 Шундан
кейин бутун Исроил қутқарилади. Муқаддас битикларда Худо шундай деган–ку*:

> “Қутқарувчи Қуддусдан* келади,
> Ёқуб наслидан бетавфиқликни йўқ қилади.
> 27 Улар билан қилган аҳдим мана шудир:
> Мен уларни гуноҳларидан фориғ қиламан.”

28 Яҳудийлар Хушхабарни рад қилиб, Худонинг душманлари бўлиб қолдилар,
бу сизларга — ғайрияҳудийларга фойда келтирди. Аммо Худо яҳудийларни
танлагани учун, уларнинг ота–боболари ҳақи ҳали ҳам уларни яхши кўради.
29 Чунки Худо берган инъомларини қайтариб олмайди ва Ўзи даъват қилган
халқидан воз кечмайди. 30 Сиз — ғайрияҳудийлар ҳам бир вақтлар итоатсиз
эдингиз, аммо яҳудийларнинг итоатсизлиги натижасида Худо сизларга
меҳр–шафқат кўрсатди. 31 Тўғри, ҳозир яҳудийлар итоатсиз, аммо сизларга
кўрсатилган меҳр–шафқат туфайли улар ҳам меҳр–шафқат топадилар. 32 Ҳаммага
меҳр кўрсатай деб, Худо ҳаммани итоатсизликка тутқун қилди.
33 Худонинг донолигию билими нақадар бой ва чуқурдир! Унинг ҳукмларини
ким тушуниб етади?! Унинг йўлларини ким синчиклаб текшира олади?! 34 Ким
Эгамизнинг фикр–зикрини била олади?! Ким Унга маслаҳат бера олади?!* 35 Ким
Худога шундай ҳадя берганки, Худо ундан қарздор бўлса?!* 36 Ҳеч ким! Чунки
бутун борлиқ Худодан келиб чиққан, Худо орқали ва Худо учун мавжуддир! Унга
то абад шон–шарафлар бўлсин! Омин.

12–БОБ

Ҳаётни Худога бағишлаб яшаш

1 Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга
ёлвораман. Ўз танангизни тирик, муқаддас ва Худога манзур бўладиган
қурбонлик сифатида бағишланг. Худога лойиқ бўлган асл хизмат мана шудир. 2 Бу
дунёга мослашманглар, фикр–зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар. Шунда
Худонинг иродасини тушуна оладиган бўласиз, яъни нима яхши, Худога манзур ва
мукаммал эканлигини била оладиган бўласиз.
3 Менга берилган иноятдан фойдаланиб, сизларга айтяпман: ўзингизга ҳаддан
ташқари юқори баҳо бермanглар. Аксинча, Худо ҳар бир кишига қанча имон
берган бўлса, шунга кўра, фикр қилиб, ақли расо одамлар бўлинглар. 4 Ахир,
танамиз бир бўлса–да, танамиз аъзолари кўп, танамиз аъзоларининг вазифаси
ҳам бир хил эмас. 5 Шунга ўхшаб, биз — Масиҳга тегишли бўлганлар бир танани
ташкил қиламиз. Ҳар биримиз ҳар хил аъзолар бўлиб, бир–биримизга боғлиқмиз.
6 Бизга берилган иноят бўйича ҳар биримизнинг ҳар хил инъомларимиз бор. Агар
бирортасида Худонинг сўзини бошқаларга етказиш инъоми бўлса, у
эътиқодимизга мувофиқ равишда гапирсин. 7 Агар бирорта одамга хизмат қилиш
инъоми берилган бўлса, у хизмат қилсин, агар бирортасига муаллимлик инъоми
берилган бўлса, у таълим берсин. 8 Агар инсонга далда бериш инъоми берилган

бўлса, у далда берсин, беғараз ёрдам берадиган бўлса, сахийлик билан берсин. Етакчилик қиладиган одам қунт билан етакчилик қилсин, меҳр–шафқат кўрсатадиган одам хурсандчилик билан иш тутсин.

9 Бир–бирингизга бўлган меҳр–муҳаббатингиз самимий бўлсин. Ёмонликдан нафратланиб, яхшиликни маҳкам тутинг. 10 Бир–бирингизни биродарларча, чуқур муҳаббат билан яхши кўринг. Бир–бирингизни ҳурмат қилиб, ўзингиздан юқори кўринг. 11 Ғайратингиз сусаймасин, бутун қалбингиз билан Раббимиз Исога хизмат қилинг. 12 Умидингиз борлиги учун хурсанд бўлинг. Қийинчиликда сабр–тоқат қилинг. Ибодат қилишдан чарчаманг. 13 Муҳтожликда бўлган Худонинг азизларига ёрдам беринг, доимо меҳмондўст бўлинг.

14 Сизларни қувғин қилаётганларни дуо қилинглар, уларни қарғаманглар. 15 Севинаётганлар билан бирга севининглар, йиғлаётганлар билан бирга йиғланглар. 16 Ўзаро ҳамфикр бўлинглар. Такаббурлик қилмай, бечора ҳамда паст табақали одамлар билан дўст бўлинглар. Ўзбилармонлик қилманглар. 17 Ҳеч кимга ёмонлик эвазига ёмонлик қайтарманглар, одамлар яхшилик деб билганларни қилишга интилинглар. 18 Агар иложи бўлса, қўлингиздан келганича, барча одамлар билан тинч–тотув ҳаёт кечиринглар. 19 Азизларим, ўзингиз учун ўзингиз қасос олманг, балки Худонинг ғазабига йўл қўйиб беринг. Ахир, Муқаддас битикларда Эгамиз шундай деб айтган–ку: “Мен Ўзим қасос ва ўч оламан.”*
20 Муқаддас битикларда ёзилганидай қилинг:

> “Душманинг оч бўлса, овқат бер,
> Чанқаган бўлса, сув ичир.
> Шунда унинг бошига ёнаётган чўғ йиққандай бўласан.”*

21 Ёмонлик сизни мағлуб қилмасин, аксинча, сиз ёмонликни яхшилик билан мағлуб этинг.

13–БОБ

Ҳокимиятга бўйсуниш ҳақида

1 Ҳар бир инсон ўзининг устидан ҳукмрон бўлган ҳокимиятга бўйсунсин. Чунки Худо буюрмаган ҳокимият йўқ, мавжуд бўлган ҳар бир ҳокимиятни эса Худо тайин этган. 2 Шунинг учун ҳокимиятга қаршилик кўрсатган одам Худо ўрнатган тартибга қарши чиққан бўлади. Қаршилик қилувчилар эса ўзларини ўзлари ҳукмга дучор қиладилар. 3 Яхшилик қилганлар эмас, ёмонлик қилганлар ҳукмронлардан қўрқишлари керак. Ҳокимиятдан қўрқмасликни истайсанми? Унда яхшилик қилиб юр, шунда бошлиқнинг мақтовига сазовор бўласан. 4 Чунки бошлиқлар одамларнинг манфаати учун Худонинг хизматидадирлар. Ёмон иш қилаётган бўлсанг, қўрққин, чунки жазо бериш қудрати бошлиқларга бекорга берилмаган. Улар Худонинг хизматкорлари бўлиб, ёмонлик қилувчиларга жазо берадилар, Худонинг ғазабини амалга оширадилар. 5 Шунинг учун фақатгина ғазабга дучор бўлмаслик ниятида эмас, балки виждон ҳақи ҳам бошлиқларга бўйсуниш керак. 6 Мана шу сабабдан солиқ ҳам тўлаш лозим. Чунки амалдорлар ўз вазифаларини бажариб, Худога хизмат қиладилар. 7 Уларга нима тегишли бўлса, шуни беринг: солиқ йиғувчига — солиқ, бож олувчига — бож, обрўга лойиқ бўлганга — обрў, ҳурмату эҳтиромга лойиқ бўлганга — ҳурмат–эҳтиром.

Масиҳга ишонганларга хос хатти–ҳаракат

8 Ҳеч кимдан ҳеч нарса қарздор бўлманглар. Фақат меҳр–муҳаббатни ҳам фарз,

ҳам қарз деб билинглар, чунки ўзгани яхши кўрган одам Худонинг қонунини
бажарган бўлади. 9 Ахир, “Зино қилманг”, “Қотиллик қилманг”, “Ўғрилик
қилманг”*, “Бировларнинг мулкига кўз олайтирманг”* деган ва қолган ҳамма
амрлар қуйидаги битта амрда мужассам–ку: “Ўзгани ўзингизни севгандай
севинг.”* 10 Чунки ўзгани яхши кўрган одам унга ёмонлик қилмайди. Шундай
қилиб, бошқаларни яхши кўриш Худонинг қонунини тўлиқ бажариш билан
баробардир.
11 Ҳозирги вақтни ғанимат деб билинглар. Мана, уйқудан уйғонадиган
пайтингиз етиб келди. Биз имон келтирган пайтдагидан кўра, ҳозирги вақтда
нажотимизнинг тўлиқ рўёбга чиқиши яқинроқдир. 12 Тун ўтиб кетиб, кундуз
яқинлашиб қолди. Шунинг учун қоронғилик ишларидан воз кечайлик, нурга
лойиқ ишларни қилишга боп бўлган қурол–аслаҳаларни тақиб олайлик.
13 Шаҳватпарастлик ва фисқ–фужурга берилмайлик, жанжалкашлик ва
ҳасадгўйлик қилмайлик, айш–ишрат ва ичкиликбозлик билан эмас, кундузга
яраша, одоб билан кун кечирайлик. 14 Раббимиз Исо Масиҳга бурканинглар ва
башарий табиатингизнинг эҳтиросларини қондиришни ҳатто хаёлингизга ҳам
келтирманглар.

14–БОБ

Биродарингни ҳукм қилма

1 Имони суст бўлганларни* имонлилар қаторига қабул қилинг, уларнинг
фикрлари юзасидан баҳслашманг. 2 Зеро, баъзилар, ҳамма нарсани тановул қилиб
бўлади, деб ишонади, баъзи имони сустлар эса фақат сабзавот ейди. 3 Ҳамма
нарсани ейдиган одам, ҳар қандай нарсани емайдиган одамдан нафратланмасин.
Шунингдек, ҳар нарсани ҳам еявермайдиган одам, ҳамма нарсани ейдиган одамни
ҳукм қилмасин, чунки Худо уни имонлилар қаторига қабул қилган. 4 Сен ким
бўлибсанки, бировнинг хизматкорини тергайсан? Хизматкорнинг тўғри ёки
нотўғри иш қилганини унинг хўжайини тасдиқлайди–ку! Хўжайин хизматкорни
бошқаргани учун хизматкор тўғри иш қилади, бу хўжайин Раббимиз Исодир*.
5 Айрим одамлар бир кунни бошқа кундан устунроқ ҳисоблайдилар, яна бошқа
бир одамлар эса кунларнинг ҳаммасини баравар деб ҳисоблайдилар. Ҳар бир
киши ўз фикрида маҳкам турсин. 6 Бирор кунни бошқасидан устун деб билган
одам Раббимиз Исони улуғлаш учун шундай қилади*. Ҳамма нарсани ейиш
мумкин деб билган одам ҳам Раббимизни улуғлаш учун шундай фикрлайди,
чунки у овқати учун Худога шукур айтади. Ҳар нарсани емайдиган одам ҳам
Раббимизни улуғлаш учун шундай қилади, у ҳам овқати учун Худога шукур
айтади! 7 Зеро, ҳеч биримиз фақат ўзимиз учун яшамаймиз, фақатгина ўзимиз
учун ўлмаймиз. 8 Ахир, яшасак, ҳаётимиз билан Раббимиз Исога шуҳрат
келтирамиз, ўлсак ҳам, ўз ўлимимиз билан Раббимизга шуҳрат келтирамиз.
Демак, яшасак ҳам, ўлсак ҳам, Раббимизга тегишлимиз. 9 Масиҳ ўликларнинг
ҳамда тирикларнинг Раббийси бўлиш учун ўлди ва ўликдан тирилди. 10 Шундай
экан, нима учун биродарингизни ҳукм қиляпсиз? Нима учун биродарингиздан
нафратланяпсиз? Ахир, ҳаммамиз Худонинг* ҳукм курсиси олдида туриб, жавоб
берамиз–ку! 11 Муқаддас битикларда шундай ёзилган:

> “Эгамиз шундай демоқда:
> «Мен барҳаёт Худо бўлганим ҳақи айтаманки*,
> Менинг олдимда ҳар бир одам тиз чўкади,

Ҳар бир тил Менга ҳамду сано айтади.»”*

12 Демак, ҳар биримиз Худонинг олдида ўзимиз учун жавобгармиз.

Биродарлар билан тинч–тотув яшаш ҳақида

13 Шунинг учун энди бир–биримизни ҳукм қилмайлик. Аксинча,
биродарларингизнинг йўлига ғов қўймасликка, уни васвасага солмасликка қарор
қилинглар. 14 Мен Раббим Исога тегишли бўлганим учун қатъий аминманки, ҳеч
бир нарса ўзидан–ўзи ҳаром эмас. Аммо кимдир бирор нарсани ҳаром ҳисобласа,
ўша нарса у учун ҳаромдир. 15 Агар сизлар бирор нарса еб, биродарингизни хафа
қилаётган бўлсангиз, меҳр–муҳаббат билан иш тутмаётган бўласиз. Масиҳ бу
одам учун ўлган, еган овқатингиз билан ўша одамни ҳалокатга йўлиқтирманг.
16 Сиз яхши деб билган нарса ҳақида бошқалар ёмон гап гапирмасин. 17 Худонинг
Шоҳлиги овқат ва ичимликдан эмас, балки Муқаддас Руҳ ато қиладиган солиҳлик,
тинчлик ва қувончдан иборат. 18 Масиҳга шу тарзда хизмат қилган одам Худони
ҳам мамнун қилади, инсонларнинг ҳам мақтовига сазовор бўлади.
19 Шунинг учун ўзаро тинч–тотув яшаш ва бир–биримизнинг имонимизни
мустаҳкамлаш ҳаракатида бўлайлик. 20 Егуликни деб, Худонинг ишига путур
етказманглар! Тўғри, ҳамма нарса ҳалол, аммо бирор нарсани еб, биродарини
васвасага солган одам нотўғри иш қилган бўлади. 21 Гўшт ейиш, шароб ичиш ёки
шунга ўхшаш ишлар бирорта биродарни васвасага солаётган бўлса, буларни
қилмаслик яхшидир.
22 Бу масаладаги фикрингизни Худонинг Ўзи ҳукм қилсин. Тутган йўлини ҳукм
қилмаган одам бахтиёрдир. 23 Бирор нарсани ейиш ҳақида иккиланиб туриб,
барибир ейишга қарор қилган одам ҳукмга дучор бўлиши муқаррар, чунки у ўз
ишончига кўра, иш тутмаган бўлади. Ишончга асосланмасдан қилинган ҳар бир
иш эса гуноҳдир*.

15–БОБ

1 Биз, имони кучлилар, ўзимизни мамнун қилишни кўзламасдан, имони суст
бўлган биродарларнинг ожизлигига сабр–бардош қилишимиз керак. 2 Ҳар
биримиз ўзганинг манфаатини кўзлаб, унга далда бериш ниятида уни мамнун
қилишга ҳаракат қилайлик. 3 Ҳаттоки Масиҳ ҳам Ўзини мамнун қилишни
кўзламаган, зеро, Муқаддас битикларда ёзилганидай:

“Эй Худо, Сени ҳақоратлаганлар Мени ҳақорат қилган бўлар.”*

4 Муқаддас битикларда нимаики ёзилган бўлса, бизнинг таълим олишимиз
учун ёзилган. Биз бу битиклардан сабр ва тасалли топиб, умидимизда маҳкам
туришимиз лозим.
5 Исо Масиҳнинг йўлида юрар экансиз, сабр ва тасалли манбаи бўлган
Худонинг Ўзи сизларга ҳамфикр бўлишни ато қилсин. 6 Шунда сизлар якдиллик
билан, бир овоздан Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси — Худони улуғлайсизлар.

Хушхабар барча халқлар учундир

7 Масиҳ сизларни Ўз биродарларидай қабул қилгани каби, сизлар ҳам
бир–бирингизни биродарлардай қабул қилинг. Шундай қилиш Худога шуҳрат
келтиради. 8 Мен сизларга айтяпман: Худонинг содиқлигини кўрсатиб, Унинг
ота–боболаримизга берган ваъдаларини бажариш учун Исо Масиҳ яҳудийларнинг
хизматкори бўлиб келди. 9 Масиҳнинг келишидан яна бир мақсади шу эдики,

ғайрияҳудийлар ҳам Худонинг меҳр–шафқати учун Уни улуғласинлар. Муқаддас битикларда ёзилганидай:

“Халқлар ичра Сенга ҳамдлар айтаман!
Сени куйлаб сано айтаман!”*

10 Яна бошқа жойда шундай ёзилган: “Эй эллар, Унинг халқи билан бирга
шодланинг.”* 11 Яна шундай деб ҳам ёзилган:

“Эй барча халқлар, Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!
Эй жамики элатлар, Уни олқишланглар!”*

12 Ишаё китобида ҳам қуйидагича ёзилган:

“Эссай* томиридан бир Зот келиб чиқар,
У халқлар устидан ҳукмронлик қилар,
Халқлар эса Унга умид боғлайдилар.”*

13 Имон йўлидан юрар экансиз, умид манбаи бўлган Худо қалбингизни севинч
ва тинчликка тўлдирсин, шунда сизлар Муқаддас Руҳнинг кучи ила умидга бой
бўласизлар.

Павлус ғайрияҳудийларга хизмат қилишга даъват этилган

14 Эй биродарларим, мен аминманки, сизлар эзгуликка ва илм–маърифатга
бойсизлар, бир–бирингизга панд–насиҳат қилишга қодирсизлар. 15 Шунинг учун
баъзи бир нарсаларни эслатай деб, сизларга бу хатни ёзишга журъат қилдим,
чунки мен Худонинг инояти билан 16 Исо Масиҳнинг хизматкори этиб
тайинланганман. Худонинг Хушхабарини айтиб, руҳоний сифатида
ғайрияҳудийларга хизмат қилмоқдаман. Бунинг натижасида, ғайрияҳудийлар
Худога манзур бўладиган, Муқаддас Руҳ орқали табаррук қилинган қурбонликдай
Худога тортиқ этилмоқдалар.
17 Шундай қилиб, Исо Масиҳ туфайли Худонинг йўлида қилган ишларим билан
мақтансам бўлади. 18-19 Кучли мўъжизалару аломатлар билан, менинг
айтганларим ва қилганларим орқали Масиҳ ғайрияҳудийларни Худога итоат
қилиш йўлига бошлади. Аммо Исо Масиҳнинг мен орқали қилган ишларидан
бошқа нарсалар ҳақида гапиришга журъат этмайман, чунки буларнинг ҳаммаси
Худо Руҳининг қудрати ила содир бўлди. Шундай қилиб, мен Қуддусдан бошлаб,
то Иллурикон ҳудудига* қадар Масиҳнинг Хушхабарини ёйиб, ўз вазифамни
бажардим. 20 Шу билан бирга, мен бошқаларнинг пойдевори устига бино
қурмайин деб, ҳали Масиҳнинг номи овоза қилинмаган ерларда Хушхабарни
ёйиш учун жон куйдиряпман. 21 Муқаддас битикларда ёзилганидай:

“У ҳақда хабарсиз бўлганлар энди кўрадилар,
У ҳақда эшитмаганлар энди англаб етадилар.”*

Павлуснинг Римга бориш нияти

22 Хушхабарни ёйиш хизматим туфайли анчадан бери сизларнинг олдингизга
бора олганим йўқ. 23 Энди эса бу жойларда менга бошқа иш қолмаган. Мен кўп
йиллардан бери сизларни кўришни орзу қиламан. 24 Шунинг учун Испанияга
бораётганимда, йўлда сизларни кўриб ўтмоқчиман, бир оз бўлса–да,
дийдорингизга тўйганимдан кейин, йўлимда давом этишим учун керакли бўлган
зарур эҳтиёжимни қондирарсизлар деган умиддаман.

25 Ҳозирча мен Худо азизларига ёрдам бергани Қуддусга кетяпман*. 26 Чунки
Македония ва Ахаядаги биродарлар маблағ йиғиб, Қуддусдаги камбағал
биродарларга ёрдам беришга қарор қилдилар. 27 Буни ҳам қарз, ҳам фарз деб
билганлари учун хурсандчилик билан шундай қилдилар. Ахир, ғайрияҳудийлар
яҳудийлар туфайли руҳий неъматларга сазовор бўлдилар–да, шунинг учун улар
ўз моддий бойликларини яҳудийлар билан баҳам кўришни лойиқ топдилар.
28 Мен бу ишни бажариб, тўпланган маблағни уларга топширганимдан кейин,
сизларнинг олдингизда тўхтаб ўтаман. Сўнгра Испанияга кетаман. 29 Аминманки,
мен сизларни кўришга борганимда, биз биргаликда Масиҳ Хушхабари
келтирадиган қут–баракаларни тўлиқ баҳам кўрамиз.
30 Эй биродарларим, Раббимиз Исо Масиҳ ва Муқаддас Руҳ ато қиладиган
меҳр–муҳаббат ҳақи сизларга ёлвораман: мен учун биргаликда Худога ибодат
қилайлик. 31 Яҳудиядаги имонсизларнинг қўлидан қутулишим учун ва
Қуддусдаги хизматим у ердаги Худонинг азизларига маъқул бўлиши учун ибодат
қилинглар. 32 Худо хоҳласа, мен шод–хуррамлик билан сизларнинг олдингизга
бораман, сизлар билан бирга бўлганимдан қалбим ором топади. 33 Тинчлик
манбаи бўлган Худо ҳаммангизга ёр бўлсин. Омин!

16–БОБ

Сўнгги саломлар

1 Мен Кенхрея шаҳридаги* жамоатда хизмат қилаётган опамиз* Фивани
сизларга таништирай*. 2 Сизлар Худонинг азизларисиз, шунинг учун Раббимиз
Исо ҳақи Фивани меҳмондўстлик билан қабул қилинглар. У нимага муҳтож бўлса,
ёрдам беринглар. Зеро, у кўпларга, айниқса, менга кўп ёрдам кўрсатган.
3 Прискилла ва Акилга салом айтинглар, улар мен қатори Исо Масиҳга хизмат
қиляптилар. 4 Улар менинг жонимни асраб қолиш учун ўзларини ўлим хавфи
остига қўйдилар. Нафақат мен, балки ғайрияҳудийлардан иборат бўлган
жамоатлар ҳам улардан миннатдорлар. Уларнинг уйида йиғиладиган жамоатга
ҳам салом айтиб қўйинглар. 5 Асия вилоятидагилар орасида биринчи бўлиб
Масиҳга имон келтирган азиз дўстим Эпанетусга салом айтинг. 6 Сизлар* учун кўп
меҳнат қилган Марямга салом айтинглар. 7 Биродаримиз Андроникус ва опамиз
Юнияга* салом айтинглар. Улар мен билан бирга ҳибсда бўлган қондошларимдир.
Бу обрўли ҳаворийлар* мендан олдин Масиҳга имон келтирган эдилар.
8 Раббимиз Исо туфайли менинг азиз дўстим бўлиб қолган Амплиатусга салом
айтинг. 9 Масиҳ хизматида ҳамкоримиз бўлган Урбанус ва азиз дўстим Стахисга
салом айтинг. 10 Масиҳга содиқлигини исботлаган Апеллисга салом айтинг.
Аристовулус хонадонига ҳам салом айтиб қўйинг. 11 Қондошим Ҳиродионга салом
айтинг. Наркис хонадонидаги Раббимиз Исога тегишли бўлганларга ҳам салом
айтиб қўйинг. 12 Раббимизга жону дили билан хизмат қилаётган опаларимиз
Трифена билан Трифосага салом айтинглар. Раббимизга астойдил хизмат
қилаётган азиз опамиз Персисага ҳам салом айтинг. 13 Раббимизнинг танланган
хизматкори Руфусга ва менга онадай бўлиб қолган унинг онасига ҳам салом
айтинг. 14 Асинкритус, Флегон, Хермес, Патровас, Хармас ва улар билан бирга
бўлган биродарларга салом айтинглар. 15 Филологус билан Юлияга, Нерус ва
унинг синглисига*, Олимпас ҳамда улар билан бирга бўлган барча азиз
биродарларга салом айтинглар. 16 Бир–бирингиз билан ўпишиб кўришинглар.
Барча Масиҳ жамоатлари сизларга салом йўллаяптилар.

Сўнгги панд–насиҳатлар ва тилаклар

17 Сизларга ёлвораман, олган таълимотингиздан айнитиб, орангизга низо ва
ғулғула соладиган одамлардан эҳтиёт бўлинглар. Улардан ўзингизни олиб
қочинглар. 18 Ахир, бундай одамлар Раббимиз Исо Масиҳнинг эмас, балки ўз
нафсининг қулидирлар. Улар ширин сўзлару хушомадгўйлик билан софдил
инсонларни йўлдан оздирадилар. 19 Сизларнинг Худога бўлган итоаткорлигингиз
ҳаммага маълум. Мен сизлардан жуда хурсандман, аммо яхшиликка келганда
доно, ёмонликка келганда эса норасида бўлишингизни истайман. 20 Тинчлик
манбаи бўлган Худонинг Ўзи тез орада шайтонни оёқларингиз остида эзиб
ташлайди. Раббимиз Исонинг инояти сизларга ёр бўлсин.

21 Менинг ҳамкорим Тимўтий ҳамда қондошларим Лукиёс, Ясон ва Сосипатрус
сизларга салом йўллаяптилар. 22 Бу мактубни қоғозга тушираётган,
Раббимизнинг қули мен — Тертиюсдан* ҳам сизларга салом. 23-24 Бутун жамоатга
меҳмондўстлик кўрсатадиган ва ҳозирда менинг мезбоним бўлган Гаюс сизларга
салом айтяпти. Шаҳар хазинабони Эрастус ва биродаримиз Квартус ҳам салом
йўллаяптилар*.

25 Мен баён қилаётган Хушхабарга, яъни Исо Масиҳнинг Хушхабарига биноан
сизларни имонда собит қадам қилишга қодир бўлган Худога ҳамду санолар
бўлсин! Бу Хушхабар қадимдан сир тутилган эди, энди эса у очилди. 26 Ҳа, бу сир
ошкор қилинди ва пайғамбарларнинг битиклари* орқали, Худонинг амри бўйича
барча халқларга аён бўлди, токи улар ҳам имон орқали Худога итоаткор
бўлсинлар. 27 Донолик соҳиби бўлган ягона Худога Исо Масиҳ орқали то абад
шон–шарафлар бўлсин! Омин!*

ИЗОҲЛАР

1:2 *Муқаддас битиклар* — одатда Эски Аҳд китоблари тўплами шу ном билан аталади.

1:4 *Шу орқали…исботланди* — ёки *Шу орқали Муқаддас Руҳ Исо Масиҳ Худонинг қудратли Ўғли эканлигини исботлади* ёхуд *Шу орқали Исо Масиҳ руҳан Худонинг қудратли Ўғли эканлиги исботланди*.

1:5 *мен* — юнонча матнда *биз*. Ёзувларда бу олмош баъзан муаллиф томонидан ўзига нисбатан ишлатилган.

1:14 *маданиятлию маданиятсизлар* — юнонча матнда *юнонлару варварлар*. Ўша даврда *юнонлар* сўзи (шу бобнинг 16–ояти изоҳига қаранг) маданиятли халқларга нисбатан ишлатилган. Бошқа халқларга нисбатан эса варварлар сўзи ишлатиларди. Варвар сўзи маданиятсиз деган маънони билдиради (Павлус ўзи яҳудий бўлгани учун юнон тилини билмаган яҳудийларни маданиятсиз деб ҳисобламасди).

1:16 *ғайрияҳудий* — юнонча матнда *юнон*. Ўша даврда *юнон* сўзи миллати юнон бўлган одамга нисбатан ҳам, юнон тилида гапириб, юнон урф–одатларига риоя қиладиган одамга нисбатан ҳам ишлатилган.

1:17 *…ошкор қилинганки, Худо инсонларни имон орқали, ҳа, фақатгина имон орқали оқлайди…* — яна 3:21-22, 30 га ва Филиппиликлар 3:8-9 га қаранг.

1:17 Хабаққуқ 2:4 га қаранг.

2:12 *Худонинг қонуни* — Эски Аҳдга, хусусан, Тавротга ишора.

2:17 *қонун* — шу бобнинг 12–ояти изоҳига қаранг.

2:22 *…куфрлик қиласанми?!* — юнонча матнда *…бутхоналарни талайсанми?!* Павлус мажозий маънода уларнинг иккиюзламачилигига ишора қилаётган бўлиши мумкин. Аммо баъзи олимларнинг фикри бўйича, Павлус бу ўринда бутхоналардан ўғирланган бутларни сотишдан ёки ўғирланган бутлардан олинган металларни сотишдан келадиган фойдага ишора қиляпти.

2:24 Муаллиф бу ўринда Ишаё 52:5 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

2:25 *Суннат* — Худонинг Ўз халқи билан қилган аҳд белгиси (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

3:1 *суннат* — 2:25 изоҳига қаранг.

3:4 Забур 50:6 га қаранг.

3:10-12 Забур 13:1-3, 52:2-4 га қаранг. Яна Воиз 7:20 га қаранг.

3:13 Забур 5:10, 139:4 га қаранг.

3:14 Забур 9:28 га қаранг.

3:15-17 Ишаё 59:7-8 га қаранг.

3:18 Забур 35:2 га қаранг.

3:21 *Таврот ва Пайғамбарлар битиклари* — одатда яҳудийлар, Эски Аҳд тўплами уч қисмдан иборат, деб айтадилар. Бу уч қисм қуйидагилардир: Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади), Пайғамбарлар битиклари (унинг

таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) ва Битиклар (Забур бу қисмнинг биринчи китобидир). Яҳудийлар баъзан дастлабки икки қисм “Таврот ва Пайғамбарлар битиклари” деганда бутун Эски Аҳд тўпламини назарда тутадилар.

3:25-26 *...Худо билан ярашди* — бу ибора юнон тилидаги *ҳиластерион* сўзининг таржимасидир. Одатда бу сўз Худо билан ярашиш учун қилинадиган савоб ишни билдиради. *Ҳиластерион* сўзи Аҳд сандиғининг қопқоғига нисбатан Янги Аҳдда бир марта (Ибронийлар 9:5 га қаранг), Эски Аҳднинг қадимий юнонча таржимасида эса бир неча марта ишлатилган. Покланиш кунида одамларни гуноҳдан поклаш учун қурбонлик қони Аҳд сандиғининг қопқоғига сачратиларди (Левилар 16:15-16 га қаранг). Мана шунга асосланиб баъзи олимлар, Павлус бу ўринда гуноҳдан покланадиган жой ҳақида сўз юритиб, мажозий маънода Исо Масиҳга ишора қиляпти, деб тахмин қиладилар. Аммо айни пайтда Павлус мазкур китобда, Худо гуноҳдан нафратланади, гуноҳга қарши ғазабини сочади деб таълим беради (1:18, 2:5 га қаранг). Шунинг учун бу ўринда Павлус Исо Масиҳ бизни Худо билан яраштирадиган Нажоткор эканини назарда тутган, деб тахмин қилиш хато бўлмайди. Чунки бошимизга тушиши керак бўлган жазони Исо Масиҳ ўзига олган ва шу йўл билан Худонинг гуноҳкорларга қаратилган ғазабини босган (5:9-11 га ва 2 Коринфликлар 5:21 га қаранг).

4:3 Ибтидо 15:6 га қаранг.

4:7-8 Забур 31:1-2 га қаранг.

4:9 *суннат қилинганлар* — яъни яҳудийлар. 2:25 изоҳига қаранг.

4:9 *суннатсизлар* — яъни ғайрияҳудийлар.

4:17 Ибтидо 17:5 га қаранг.

4:18 Ибтидо 15:5 га қаранг.

7:6 *...эскичаси...янгичаси...* — Худо Мусо орқали берган аҳдга (Чиқиш 19:1-8, 24:1-8 га қаранг) ва янги аҳдга ишора (Еремиё 31:31-34, 32:39-40, Ҳизқиёл 11:19-20, 36:26-27 га қаранг). Эски аҳдга мувофиқ, инсон Мусонинг қонунига итоат қилиб яшайди. Янги аҳдга мувофиқ эса инсон Муқаддас Руҳнинг амри билан яшайди. Яна 2:17-29 га ва 2 Коринфликлар 3:3-18 га қаранг.

7:7 Чиқиш 20:17 га қаранг.

8:1 *Исо Масиҳга тегишли бўлганлар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исо Масиҳга тегишли бўлганлар, яъни башарий табиатнинг эмас, балки Руҳнинг етакчилигида яшаётганлар*.

8:2 *биз* — баъзи юнон қўлёзмаларидан. Юнонча матнда *сен*. Бу ўринда қайси олмош ишлатилганидан қатъий назар, Павлус Исо Масиҳга имон келтирган ҳар бир инсонни назарда тутади.

8:3 *...гуноҳнинг қудратини йўқ қилди* — ёки *...гуноҳ учун Уни қурбонликка бағишлади*.

8:10 *...Худонинг Руҳи сизлар учун ҳаёт манбаидир...* — ёки *...руҳингиз тирикдир...*.

8:15 *“Отажон”* — юнонча матнда *“Абба, Ота”*. Абба сўзи орамийчада ота деганидир. Худо имонлилар билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлгани учун, улар Худога “Ота” деб мурожаат қиладилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

8:20-21 *...мавжудот беҳудаликка мубтало бўлган* — бу ўринда Павлус Ибтидо 3:17-19 ни назарда тутган.

8:20-21 *Шундай бўлса–да…умид бор* — бу ўринда Павлус Ибтидо 3:15 да айтиб ўтилган ваъдани назарда тутган бўлиши мумкин.

8:29 *…Ўғил кўп биродарлар орасида тўнғич бўлсин* — Исо Масиҳ ўликдан тирилиб, Худонинг улуғворлигидан баҳраманд бўлган биринчи одам эди. Шунга ўхшаб, Масиҳга ишонганлар ҳам ўликдан тириладилар ва Унинг улуғворлигидан баҳраманд бўладилар (шу бобнинг 11–оятига ва Филиппиликлар 3:21, 1 Коринфликлар 15:20, 49 га қаранг).

8:34 *Худонинг ўнг томони* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

8:35 *Масиҳ* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худо*.

8:36 Забур 43:23 га қаранг.

9:4 *фарзанд* — Чиқиш 4:22-23, Еремиё 31:9, Хўшея 11:1 га қаранг.

9:4 *аҳдлар* — Худонинг Исроил халқи ва уларнинг ота–боболари билан қилган аҳдларига ишора (Ибтидо 15:18, 17:1-14, Чиқиш 19:1-8, 2 Шоҳлар 7:8-16, Еремиё 31:31-34 га қаранг).

9:5 *Бутун борлиқ устидан ҳукмдор бўлган Худога абадий ҳамду санолар бўлсин* — ёки *Масиҳ бутун борлиқ устидан Ҳукмдор, абадий ҳамду саноларга сазовор бўлган Худодир*.

9:7 Ибтидо 21:12 га қаранг.

9:8 *…жисмоний жиҳатдан…Худо берган ваъданинг натижасида…* — Иброҳимнинг ўғиллари Исмоил ва Исҳоқнинг қай тарзда дунёга келганига ишора (Ибтидо 16:1-4, 15-16, 17:15-22, 21:1-7, Галатияликлар 4:22-23 га қаранг).

9:9 Ибтидо 18:10 га қаранг.

9:11-12 Ибтидо 25:23 га қаранг.

9:13 Малаки 1:2-3 га қаранг.

9:15 Чиқиш 33:19 га қаранг.

9:17 Чиқиш 9:16 га қаранг.

9:25 Хўшея 2:23 га қаранг.

9:26 Хўшея 1:10 га қаранг.

9:27-28 Муаллиф бу ўринда Ишаё 10:22-23 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

9:29 *Садўм шаҳри…Ғамўра шаҳри* — аҳолисининг ўта бузуқлиги оқибатида Эгамиз вайрон қилган иккита шаҳар (Ибтидо 18:16-19:28 га қаранг).

9:29 Ишаё 1:9 га қаранг.

9:33 *Қуддус* — юнонча матнда *Сион*. Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

9:33 Ишаё 8:14, 28:16 га қаранг.

9:33 *Бу тош Исо Масиҳдир* — яна 1 Бутрус 2:4-8 га қаранг.

10:5 Левилар 18:5 га қаранг.

10:6-7 *...деб ёзилган* — бу ўринда Павлус Қонунлар 30:12-13 ни назарда тутган.

10:6-7 *ўликлар диёри* — яҳудийлар бу жойни, ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой, деб тушунарди.

10:8 Қонунлар 30:14 га қаранг.

10:11 Ишаё 28:16 га қаранг.

10:13 Йўэл 2:32 га қаранг.

10:15 Ишаё 52:7 га қаранг.

10:16 Ишаё 53:1 га қаранг.

10:18 Забур 18:5 га қаранг.

10:19 Қонунлар 32:21 га қаранг.

10:20 Ишаё 65:1 га қаранг.

10:21 Ишаё 65:2 га қаранг.

11:3 3 Шоҳлар 19:10 га қаранг.

11:4 *Баал* — Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, эркак қиёфасида тасаввур қилинган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги БААЛ сўзига қаранг.

11:4 3 Шоҳлар 19:18 га қаранг.

11:6 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *Аммо улар савоб ишлари туфайли танланган бўлса, Худонинг иноятига ўрин қолмас эди ва савоб ҳам савоб бўлмас эди*.

11:8 *...Муқаддас битикларда ёзилгандай* — бу ўринда Павлус Қонунлар 29:4, Ишаё 29:10 ни назарда тутган.

11:9-10 Муаллиф бу ўринда Забур 68:23-24 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

11:26 *Муқаддас битикларда Худо шундай деган–ку...* — бу ўринда Павлус Ишаё 27:9, 59:20-21 ни назарда тутган.

11:26 *Қуддус* — юнонча матнда *Сион*. 9:33 нинг биринчи изоҳига қаранг.

11:34 *Ким...Унга маслаҳат бера олади?!* — муаллиф бу ўринда Ишаё 40:13 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

11:35 *Ким...ундан қарздор бўлса?!* — бу ўринда Павлус Аюб 41:3 ни назарда тутган.

12:19 Қонунлар 32:35 га қаранг.

12:20 Ҳикматлар 25:21-22 га қаранг.

13:9 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида шу жумладан кейин қуйидаги амр қўшимча қилинган: *“Ёлғон гувоҳлик берманг”*. Чиқиш 20:16 га қаранг.

13:9 Чиқиш 20:13-15,17 га қаранг.

13:9 Левилар 19:18 га қаранг.

14:1 *Имони суст бўлганлар* — Рим жамоатидаги Исо Масиҳга ишонган яҳудийларга ишора бўлиши мумкин. Рим жамоати асосан ғайрияҳудийлардан иборат эди. Бу жамоатдаги яҳудийлар Тавротдаги қонун–қоидаларга (озиқ–овқатга, Шаббат кунига оид ва ҳоказоларга) риоя қилмасалар, ўзларини ноқулай ҳис қилардилар. Павлус “имони суст” деганда уларнинг қонун–қоидалар юзасидан виждонан қарор чиқара олмасликларини назарда тутади. Жамоатдаги

баъзилар эса имони туфайли ҳар қандай озиқ–овқатни ейиш мумкин деб биларди ва бундан уларнинг виждони қийналмасди. Павлус, бу икки тоифа имонлилар ҳам Масиҳга бирдай бағишланган, деб тасдиқлайди (яна шу бобнинг 5-6–оятларига қаранг).

14:4 *Раббимиз Исо* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худо*.

14:6 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида шу жумладан кейин қуйидаги сўзлар қўшимча қилинган: *Шунингдек, кунларга эътибор бермайдиган ҳам Раббимизни улуғлаш ниятида шундай қилади*.

14:10 *Худо* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Масиҳ*.

14:11 Ишаё 49:18 га қаранг.

14:11 Ишаё 45:23 га қаранг.

14:23 Юнонча матндан. Бу матндаги 16:25-27 оятлар баъзи юнон қўлёзмаларида мазкур бобга 24-26–оятлар бўлиб, қўшимча қилинган.

15:3 Забур 68:10 га қаранг.

15:9 Забур 17:50 га қаранг.

15:10 Қонунлар 32:43 га қаранг.

15:11 Забур 116:1 га қаранг.

15:12 *Эссай* — шоҳ Довуднинг отаси, Исо Масиҳнинг бобокалони.

15:12 Муаллиф бу ўринда Ишаё 11:10 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

15:18-19 *Иллурикон ҳудуди* — Римдан шимоли–шарқда, ҳозирги Адриатика денгизининг шарқий қирғоғида жойлашган.

15:21 Муаллиф бу ўринда Ишаё 52:15 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

15:25 *...Худо азизларига ёрдам бергани Қуддусга кетяпман* — Қуддусдаги муҳтожликда қолган масиҳийларга ёрдам бериш ниятида Павлус пул йиғаётган эди (1 Коринфликлар 16:1-4, 2 Коринфликлар 8:1-9:5, Галатияликлар 2:10 га қаранг). Уларнинг муҳтожликларига қувғинлар ёки қурғоқчилик сабаб бўлган бўлиши мумкин (Ҳаворийлар 8:1, 11:28 га қаранг).

16:1 *Кенхрея шаҳри* — бандаргоҳ шаҳар бўлиб, Коринфдан қарийб 10 километр шарқда жойлашган.

16:1 *опамиз* — уларнинг туғишган опаси эмас, балки имонли аёлларга шундай мурожаат қилинган (шу бобнинг 7, 12–оятида ҳам бор).

16:1 *...опамиз Фивани сизларга таништирай* — бу мактубни Римдаги имонлиларга Фива олиб борган бўлиши мумкин.

16:6 *Сизлар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *биз*.

16:7 *опамиз Юния* — ёки *биродаримиз Юниас*, аммо кўп олимларнинг тахмини бўйича бу юнонча исми аёл кишига нисбатан ишлатилган. Юния Андроникуснинг хотини ёки опаси ё синглиси бўлиши мумкин.

16:7 *Бу обрўли ҳаворийлар...* — ёки *Улар ҳаворийлар орасида ном чиқарганлар ва....*

16:15 *синглиси* — ёки *опаси*.

16:22 *Бу мактубни қоғозга тушираётган...Тертиюс...* — Павлуснинг мактубини шу котиб ёзган. Қадимги пайтларда бу одатий ҳол эди.

16:23-24 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар 24–оятни ташкил этиб, қўшимча қилинган: *Раббимиз Исо Масиҳнинг иноятиҳаммангизга ёр бўлсин. Омин.* Яна шу бобнинг 25-27–оятлари изоҳига қаранг.

16:26 *пайғамбарларнинг битиклари* — Эски Аҳд тўплами назарда тутилган.

16:25-27 Юнонча матндан. Шу бобнинг 25-27–оятлари баъзи юнон қўлёзмаларида 14:24-26 оятлар бўлиб келган.

ПАВЛУСНИНГ
КОРИНФЛИКЛАРГА
БИРИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Бу мактуб Коринфдаги жамоатга ёзилган ва одатда “Коринфликларга биринчи мактуб” деб аталади. Коринф қадимий Юнонистонда муҳим бандаргоҳ шаҳар эди. Биринчи аср давомида Коринф шаҳри Рим империясига қарам эди. Ўша даврда Коринф аҳолиси турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлиб, у ерда кўп яҳудийлар истиқомат қилар эди. Бу шаҳар ривожланган савдо–сотиғи, ўзига хос маданияти, авж олган ахлоқсизлиги ва турли диний оқимлар билан ном чиқарган эди. Павлус Коринфдаги яҳудийларга ҳам, ғайрияҳудийларга ҳам Хушхабар айтиб, у ердаги жамоатга асос солган эди.

Коринф жамоатида кўплаб муаммолар бор эди, масалан, масиҳийлар ҳар хил гуруҳларга бўлиниб, ўзаро кўп баҳслашар эдилар, жамоатнинг баъзи аъзолари зино қилар эди. Шу боис, Павлус жамоатга мазкур мактубини йўллаб, уларга танбеҳ беради ва тўғри йўлга солади. Шу билан бирга имонлиларнинг баъзи саволларига жавоб берган ҳолда, никоҳ, бутларга келтирилган қурбонлик гўштини ейиш ёки емаслик, ибодат пайтида аёлларнинг рўмол ўраши, Раббимизни хотирлаб нон синдириш, руҳий инъомлар каби мавзуларни ёритиб беради. Павлус Хушхабарнинг асл моҳиятини Исо Масиҳнинг ўликдан тирилишига бевосита боғлайди. Шу сабабдан бу мавзуни батафсил ёритади. Масиҳ қайтиб келганда, Худога тегишли бўлганлар тирилишини, ўлим барҳам топишини, фоний тана мангу танага ўзгаришини турли мисоллар орқали тушунтиради.

Бу мактубнинг 13–боби Муқаддас Китобдаги энг муҳим боблардан бири ҳисобланади. Бу бобда Павлус севгининг асл маъносини очиб беради, бундай севгини амалда қўллаган жамоат барча муаммолардан холи бўлишини уқтиради.

1–БОБ

Дуойи салом

[1] Худонинг иродаси билан Исо Масиҳнинг ҳаворийси бўлиш учун даъват қилинган мен — Павлусдан ва биродаримиз Состенисдан* [2] Худонинг Коринф шаҳридаги жамоатига салом! Худо сизларни Ўзининг азиз халқи бўлишга даъват қилиб, Исо Масиҳ орқали Ўзи учун ажратиб олган. Шундай қилиб, ҳар ерда Раббимиз Исо Масиҳга сажда қилаётганларнинг қаторига қўшилдингиз. Исо Масиҳ уларнинг ҳам, бизнинг ҳам Раббимиздир.

[3] Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноятy тинчлик ато этсин.

Худонинг кўрсатган илтифоти

[4] Худойим сизларга Исо Масиҳ орқали Ўз иноятини берди. Шу боис доимо Худойимга сизлар учун шукур айтаман. [5] Исо Масиҳ орқали Худо сизларни ҳар қандай каломда моҳир, илму маърифатда бой қилди. [6] Шу тариқа мен сизларга айтган Масиҳ ҳақидаги хабар ҳақиқат эканлиги исботланди. [7] Мана энди Раббимиз Исо Масиҳнинг келишини интизорлик билан кутар экансиз, Муқаддас

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Руҳ берадиган инъомлардан бенасиб эмассизлар. 8 Раббимиз Исо Масиҳ келган
кунда сизлар айбсиз бўлишингиз учун Худо сизларни охиригача
қўллаб–қувватлайди. 9 Сизларни Ўз Ўғли Раббимиз Исо Масиҳ билан мулоқот
қилишга чорлаган Худо садоқатлидир.

Имонлилар жамоатидаги низолар

10 Эй биродарларим, Раббимиз Исо Масиҳ номи билан сизларга илтижо
қиламан: ҳаммангиз ўзаро аҳил яшанглар. Орангизда низоларга йўл қўймай,
фикр–хаёлда тамомила якдил бўлинглар. 11 Зеро, эй биродарларим, сизларнинг
орангизда жанжаллар борлиги ҳақида опамиз* Хлоиснинг хонадонидагилар
менга хабар беришди. 12 Мен қуйидагиларни назарда тутяпман: орангизда
баъзилар: “Мен Павлуснинг шогирдиман”, яна баъзилар эса: “Мен Аполлоснинг*
шогирдиман”, яна бошқалар: “Мен Бутруснинг* шогирдиман”, яна бир хил
одамлар: “Мен Масиҳнинг шогирдиман”, деб айтаётган эмиш. 13 Нима, Масиҳ
бўлинганми? Ёки сизлар учун Павлус хочга михланганми? Наҳотки Павлуснинг
номи билан сувга чўмдирилган бўлсангиз?! 14 Худога шукурки, мен сизларнинг
орангиздан Криспус ва Гаюсдан бошқа ҳеч кимни сувга чўмдирмадим. 15 Ҳеч ким:
“Мен Павлуснинг номи билан чўмдирилганман”, дея олмайди. 16 Тўғри, мен
Стефанаснинг уй аҳлини ҳам сувга чўмдирган эдим, аммо булардан бошқа ҳеч бир
одамни сувга чўмдирганим эсимда йўқ. 17 Зотан, Масиҳ мени, одамларни сувга
чўмдирсин деб эмас, балки Хушхабарни ёйсин деб юборди. Менга бу Хушхабарни
инсонларга оид бўлган донолик билан ёйиш буюрилмади. Бўлмаса, Масиҳнинг
хочдаги ўлими ҳақидаги хабарнинг кучи йўқолган бўларди.

Масиҳ — Худонинг ҳикмати ва қудрати

18 Хоч ҳақидаги бу хабар ҳалок бўлаётганларга телбаликдай туюлади. Аммо
биз — нажот топаётганлар учун эса у Худонинг қудратидир. 19 Ахир, Муқаддас
битикларда ёзилган–ку:

> “Мен доноларни донолигидан маҳрум қиламан,
> Идроклиларни идрокидан айираман.”*

20 Донолар қани? Тафсирчилар ва бу дунёнинг файласуфлари қаерда? Худо бу
дунёнинг ҳикматини ақлсизликка айлантирди–ку, ахир! 21 Модомики, Худонинг
ҳикмати бўйича бу дунё ўз ақл–заковати билан Худони таниб–билмаган экан,
тентакликдай туюлган хабарга ишонганларни Худо қутқаришни лозим кўрди.
22 Мана, яҳудийлар мўъжизалар талаб қиладилар, юнонлар эса донолик пайида
юрадилар. 23 Биз эса фақат хочга михланган Масиҳ* ҳақидаги хабарни
ёймоқдамиз. Бу хабар яҳудийлар учун ҳақорат бўлса, ғайрияҳудийлар* учун
телбаликдир. 24 Бироқ Худо даъват қилган яҳудий ва ғайрияҳудийлар* учун
Масиҳ хочи Худонинг қудрати ва ҳикматидир. 25 Зеро, Худонинг “ақлсизлиги”
инсон донолигидан устундир, Худонинг “заифлиги” инсон қудратидан
кучлироқдир.

26 Эй биродарларим, Худо сизларни даъват қилганда қандай одам эдингизлар,
бир эсга олинг–чи! Инсоний нуқтаи назардан қараганда, орангизда доно,
қудратли ёки олижаноблар кўп эмасди. 27 Лекин Худо доноларни шарманда
қилиш учун дунёдаги ақлсиз деб ҳисобланганларни танлади. У қудратлиларни
шарманда қилиш учун дунёдаги заиф ҳисобланганларни танлади. 28 Дунёдаги
эътиборли ҳисобланганлар арзимас бўлиб қолсин деб, Худо бу дунёдаги
эътиборсиз ва камситилган, яъни аҳамиятсиз деб ҳисобланганларни танлади.
29 Шундай қилиб, ҳеч бир инсон Худонинг олдида мақтана олмайди. 30 Исо Масиҳ

орқали Худо бизга янги ҳаёт ато этиб, У орқали доноликка эга бўлганимизни намоён қилди. Биз Масиҳнинг шарофати билан оқланиб, гуноҳдан халос бўлдик, Худонинг азиз халқи бўлдик. 31 Шундай қилиб, Муқаддас битикларда ўргатилгандай, ким мақтанмоқчи бўлса, Эгамизни биламан, деб мақтансин*.

2–БОБ

Павлус баён этган хабарнинг асоси

1 Эй биродарлар, мен сизларга Худонинг сирли режасини* эълон қилишга борганимда, сўзамоллик ва инсоний донолик билан гапирмадим. 2 Орангизда бўлганимда, Исо Масиҳ ва Унинг хочга михланганидан бошқа ҳеч нарса ҳақида гапирмасликка қарор қилдим. 3 Олдингизга заифлигу қўрқув ҳисси билан титраб бордим. 4 Мен сизларга Хушхабар айтиб, ваъз қилганимда, донолик қилиб ишонтиришга уринмадим, балки Худонинг Руҳи ва қудратига асосландим, 5 токи сизларнинг имонингиз инсон донолигига эмас, балки Худонинг қудратига асослансин.

Худонинг донолиги

6 Биз етказган хабарни руҳан етук инсонлар ҳикмату донолик деб тан оладилар. Аммо бизнинг донолигимиз бу дунёга ёки бу дунёнинг ўтиб кетадиган ҳукмронларига муносиб бўлган донолик эмас. 7 Биз Худонинг пинҳон тутилган сирли донолиги ҳақида гапирамиз. Бу донолиги билан Худо дунё бино бўлишидан аввалроқ биз учун нажот режасини тайёрлаб қўйган эди. Унинг мақсади бизни Ўз улуғворлигидан баҳраманд қилиш эди. 8 Бу дунёнинг ҳукмронлари Худонинг донолигини тушунмадилар. Тушунганларида эди, улуғвор Раббимиз Исони хочга михламаган бўлардилар. 9 Биз Муқаддас битикларда ёзилган сирли режа ҳақида гапиряпмиз:

> “Ҳеч бир кўз кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган,
> Инсон ақли бовар қилмаган ажойиботларни
> Худо Ўзини севганлар учун тайёрлаб қўйган.”*

10 Бизларга эса Худо буларни Ўзининг Руҳи орқали ошкор қилди. Чунки Муқаддас Руҳ ҳамма нарсадан, ҳатто Худонинг чуқур ўй–фикрларидан ҳам огоҳдир. 11 Инсоннинг ўй–фикрларини унинг ичидаги ўз руҳидан бошқа яна ким билади?! Худди шу сингари, Худонинг ўй–фикрларини Худонинг Руҳидан бошқа ҳеч ким билмайди. 12 Биз Худонинг Руҳини қабул қилдик, энди дунёвий одамлар каби ўй–фикр қилмаймиз. Шунинг учун Худо бизга нима ато қилганини аниқ тушуна оламиз. 13 Биз булар ҳақида гапирганимизда инсоний донолик билан гапирмаймиз, балки Муқаддас Руҳ ўргатаётган сўзлар билан руҳий ҳақиқатни талқин қиламиз*.

14 Қалбида Худонинг Руҳи бўлмаган инсонлар Худонинг Руҳи ўргатган ҳақиқатни рад қиладилар. Улар учун бу ҳақиқат тентакликдай туюлади, бу ҳақиқатни улар тушуна олмайдилар. Зеро, бу ҳақиқатни фақатгина Худонинг Руҳи ёрдами билан тушунса бўлади. 15 Қалбида Худонинг Руҳи бўлган инсон ҳамма нарсага баҳо бера олади, аммо бошқалар у одамга баҳо беришга ожиз.
16 “Ахир, ким Раббимизнинг фикр–зикрини англаб етибдики, Унга йўл–йўриқ кўрсатса?!”* Биз эса Масиҳдай фикрлай оламиз.

3–БОБ

Ҳамон гўдакдай бўлган имонлилар

1 Эй биродарлар, сизларга руҳан етук инсонларга гапиргандай эмас, балки бу
дунёга тегишли одамларга гапиргандай гапирдим. Яна сизларга эндигина
Масиҳга ишонган, имонда гўдакдай бўлган инсонларга сўзлагандай сўзладим.
2 Сизларга берган таълимотим милкка ботадиган егуликдай эмас, балки
чақалоқларга керак бўлган сутдай эди, чунки сизлар кучлироқ таълимотга тайёр
эмас эдингиз. Ҳозир ҳам тайёр эмассиз, 3 чунки бу дунё ҳали ҳам сизларга ўз
таъсирини кўрсатяпти. Орангизда ҳасадгўйлик ва жанжалкашлик бор экан, бу
сизларнинг ҳали ҳам башарий табиатингиз таъсирида эканингизни, инсоний
фикрлаб яшаётганингизни кўрсатмайдими?! 4 Ахир, баъзиларингиз: “Мен
Павлуснинг шогирдиман”, бошқаларингиз эса: “Мен Аполлоснинг* шогирдиман”,
десангиз, сизлар инсоний фикрлаб яшаётган бўлмайсизми?

Худонинг хизматидаги ҳамкорлар

5 Ахир, Павлус ким? Аполлос ким? Улар Худонинг хизматкорларидир, улар
орқали сизлар имонга келгансизлар. Ҳар биримиз Эгамиз берган вазифани
бажарамиз. 6 Мен уруғ экдим, Аполлос суғорди, лекин Худо парваришлаб, ўстирди.
7 Ким эккани ёки суғоргани муҳим эмас, энг муҳими ўстирадиган Худодир.
8 Экувчининг ҳам, суғорувчининг ҳам мақсади бир ва уларнинг ҳар бири ўз
меҳнатига яраша мукофот олади. 9 Биз Худонинг хизматидаги ҳамкорларимиз,
сизлар эса Худонинг даласисизлар. Айни пайтда сизлар Худонинг иморати
ҳамсизлар. 10 Худонинг марҳамати билан мен моҳир бир меъмордай иморатнинг
пойдеворини қўйдим. Энди эса бошқалар унинг устида қурилиш қиляптилар. Ҳар
ким қандай қилиб қураётганига диққат қилсин. 11 Зеро, ҳеч ким мавжуд бўлган
пойдевордан бошқа пойдевор қўя олмайди. Бу пойдевор Исо Масиҳдир. 12 Бу
пойдевор устига кимдир олтиндан, кимдир кумуш ёки қимматбаҳо тошлардан,
яна кимдир эса ёғочу хашак ёки похолдан иморат қурмоқда. 13 Ҳар кимнинг иши
қандай эканлиги қиёмат кунида аён бўлади. Ўша куни ҳамманинг иши оловда
синалади. 14 Кимнинг қилган иши оловга бардош берса, ўша киши мукофот олади.
15 Кимнинг иши ёниб кетса, у мукофотдан маҳрум бўлади. Ҳолбуки, у Исо Масиҳга
тегишли бўлгани учун нажот топади, лекин у оловдан қутулиб чиққан одамга
ўхшайди.

16 Наҳотки билмасангиз?! Сизлар Худонинг маъбадисизлар, Худонинг Руҳи
орангизда маскан қилган. 17 Кимки Худонинг маъбадини бузса, Худо уни ҳалок
қилади. Зеро, Худонинг маъбади муқаддасдир, бу маъбад эса сизларсиз.

18 Ҳеч ким ўзини ўзи алдамасин. Орангизда кимдир ўзини бу дунёда доно деб
билса, ўзининг ақлсиз эканлигини тан олсин, шундагина у ҳақиқатан ҳам доно
бўлади. 19 Чунки бу дунёнинг донолиги Худонинг назарида ақлсизликдир.
Муқаддас битикларда қуйидагича ёзилган–ку:

> “У доноларни ўзларининг айёрликлари орқали тутиб олади.”*

20 Яна шундай ёзилган:

> “Эгамиз доноларнинг ниятини англайди,
> Ниятларининг беҳудалигини У билади.”*

21 Шунинг учун орангизда ҳеч ким бошқа бир инсоннинг таълимотига риоя
қилаётгани билан мақтанмасин. Ахир, ҳаммаси сизларга тегишли–ку: 22 Павлус,

Аполлос ва Бутрус*, дунё ҳам, ҳаёт ва ўлим ҳам, ҳозир ва келажак ҳам —
буларнинг ҳаммаси сизники. 23 Сизлар эса Масиҳники, Масиҳ эса Худоникидир.

4–БОБ

Ҳаворийларнинг мартабаси ва вазифаси

1 Одамлар бизни Масиҳнинг хизматкорлари ҳамда Худонинг сир–асрорларини
баён этишга масъул инсонлар деб билишлари керак. 2 Биздан талаб қилинган
нарса ишончли бўлишдир. 3 Мени сизлар ҳукм қиласизларми ёки маҳкамада ҳукм
қилишадими, менга фарқи йўқ. Мен ўзимни ўзим ҳам ҳукм қилмайман. 4 Зотан,
ўзимда ҳеч бир айб кўрмасам ҳам, бу билан ўзимни оқламайман. Чунки мени ҳукм
қилувчи Раббимиз Исо бўлади. 5 Шу боис сизлар ҳам вақтидан олдин, Раббимиз
келмагунча, асло ҳукм қилманглар. У келиб зулматда яширилган нарсаларни
равшан қилади, инсон юракларининг мақсадларини ошкор этади. Ўшанда ҳар
ким ўз ишига яраша Худонинг таҳсинига сазовор бўлади.

6 Эй биродарлар, мен ўзимни ва Аполлосни* мисол қилиб келтирдим, токи
сизлар Муқаддас битикларда ёзилганларга биноан яшашни биздан ўрганинглар.
Бир устозни бошқасидан устун қўйманг. 7 Ким сизларга шундай ҳуқуқ бериб
қўйган?! Худодан олмаган бирор нарсангиз борми?! Бор нарсангизни сизга Худо
берган–ку, нима учун худди ўз кучингиз билан эришгандай мақтаниб юрибсиз?
8 Хоҳлаган ҳамма нарсангизга эришиб олдингизми?! Бой бўлиб кетдингизми?!
Бизсиз ҳукмронлик қиляпсизми?! Қани, энди ҳақиқатан ҳам ҳукмронлик
қилаётган бўлсангиз эди, биз ҳам сизлар билан бирга ҳукмронлик қилсак. 9 Лекин
мен ўйлайманки, Худо биз — ҳаворийларни шармандали аҳволга солиб, майдонда
намойиш қилинадиган, ўлимга маҳкум этилган асирлардай қилиб қўйди. Биз
фаришталару инсонлар олдида, бутун коинот олдида томоша бўлиб қолдик. 10 Биз
Масиҳ ҳақи ақлсиз бўлибмиз, сизлар эса Масиҳ соясида ақлли бўлиб қолибсизлар.
Биз заиф, сизлар эса кучли экансиз! Сизлар обрў–эътиборли, биз эса шарманда
эканмиз–да! 11 Ҳозиргача оч–яланғочмиз, ташналик ва калтакларга бардош
беряпмиз, сарсон–саргардон бўлиб юрибмиз. 12 Ўз меҳнатимиз билан кун
кўряпмиз. Бизни ҳақорат қилсалар, дуо қиламиз, қувғин қилсалар, чидаймиз.
13 Бизни ғийбат қилсалар, яхшилик билан жавоб берамиз. Ҳозиргача биз дунёнинг
супуриндиси, ҳамманинг ахлатидай бўлиб юрибмиз.

Павлуснинг панд–насиҳатлари

14 Мен буларни сизларни хижолатда қолдирмоқ учун эмас, балки севимли
болаларимга насиҳат қилгандай, сизларга насиҳат қилиб ёзяпман. 15 Масиҳнинг
йўлида минглаб одамлар сизларга устозлик қилса ҳам, сизларнинг фақатгина бир
руҳий отангиз бор. Мен сизларга Хушхабарни етказиб, Исо Масиҳ орқали
сизларнинг руҳий отангиз бўлдим. 16 Шунинг учун сизларга ёлвораман, мендан
ўрнак олинглар*. 17 Ана шу мақсадда мен Раббимиз Исога содиқ бўлган севимли
ўғлим Тимўтийни* сизларнинг олдингизга юборяпман. Ҳар ерда ва ҳар бир
имонлилар жамоатида таълим берар эканман, Исо Масиҳга тегишли бўлиб,
қандай ҳаёт кечираётганимни у сизларга айтиб беради.

18 Орангизда баъзилар: “Павлус келмас экан”, деб кеккайиб, билганини
қилаётган экан. 19 Аммо Раббимиз Исо хоҳласа, мен яқин орада олдингизга
бораман. Шунда нафақат бу такаббур одамлар қандай гаплар гапираётганларини,
балки уларда қандай куч борлигини синаб кўраман. 20 Чунки Худонинг Шоҳлиги
қуруқ сўзлар билан эмас, балки куч–қудрат билан намойиш этилади. 21 Хўп, нима
хоҳлайсизлар? Олдингизга калтак билан борайми ёки меҳр–муҳаббат ва

мулойимлик руҳи билан борайми?

5–БОБ

Жамоатдаги ахлоқсизликни йўқ қилиш ҳақида

1 Орангизда жинсий ахлоқсизлик бор эканлиги ҳақида гаплар юрибди. Бундай
ахлоқсизлик ҳатто бутпарастлар орасида ҳам содир бўлмаган экан. Орангиздаги
бир киши ўз отасининг хотинини хотин қилиб яшаётган экан. 2 Сизлар эса
кеккайиб юрибсизлар. Аксинча, мотам тутиб, бундай иш қилган одамни
орангиздан ҳайдаб чиқаришингиз керак–ку! 3-4 Тўғри, ҳозир жисмонан сизлар
билан эмасман, аммо руҳан сизлар билан биргаман. Мен гўё сизларнинг
ёнингизда бўлгандек, бу ишни қилган одам ҳақида аллақачон Раббимиз Исо
Масиҳ номи билан ҳукм чиқардим. Сизлар бирга йиғилганингизда, Исо
Масиҳнинг қудрати ва менинг руҳим сизлар билан бирга бўлади. 5 Шунда ўша
одамни шайтонга топширинглар, токи унинг танаси ҳалокатга учрасин*, руҳи эса
Раббимиз Исо келган кунда халос бўлсин.

6 Мақтанишингиз ўринли эмас. Наҳотки озгина хамиртуруш бутун хамирни
ачитишини билмасангизлар? 7 Орангиздан эски хамиртурушни* чиқариб
ташланглар, шу тариқа янги хамирдай бўлинглар. Сизлар аслида хамиртурушсиз
хамирдайсизлар–ку! Чунки Масиҳ Ўз жонини фидо қилиб, бизнинг Фисиҳ
қурбонлигимиз бўлди! 8 Шунинг учун Фисиҳ байрамини* нишонлагандай, янги
ҳаётимизни нишонлаб яшайлик! Ёмонлик ва бузуқлик тимсоли бўлган
хамиртурушга ҳаётимиздан ўрин бермай, софлик ва ҳақиқат билан кун
кечирайлик.

9 Мен олдинги мактубимда* сизларга жинсий томондан ахлоқсиз бўлган
одамлар билан муносабатда бўлмаслик ҳақида ёзган эдим. 10 Шубҳасизки, бу
дунёнинг зинокорларини, тамагирларини, товламачиларини, бутпарастларини
назарда тутмаган эдим, акс ҳолда, сизлар бу дунё билан бутунлай алоқани
узишингизга тўғри келар эди. 11 Мен сизларга, ўзини биродар деб атаб туриб,
зинокор, тамагир, бутпараст, ғийбатчи, майхўр ёки товламачи одам билан алоқа
қилманглар, у билан бирга ҳатто овқат ҳам еманглар, деб айтган эдим.
12-13 Қолаверса, имонлилар жамоатидан ташқаридагиларни ҳукм этишга бизнинг
нима ҳақимиз бор? Уларни Худо ҳукм қилади. Сизлар жамоатдагиларни ҳукм
қилсангиз, бас. Фосиқ одамни ўз орангиздан ҳайдаб чиқаринглар.

6–БОБ

Имонлилар орасидаги даъволарни ҳал қилиш ҳақида

1 Орангизда биттасининг бошқа бировга даъвоси бор экан. Бу даъвони ҳал
қилиб берсин деб, у киши Худонинг азизлари олдига эмас, балки имонсизлар
олдига боришга қандай журъат қиляпти? 2 Худонинг азизлари ҳатто дунёни ҳукм
қилишини наҳотки сизлар билмасангиз?! Модомики, сизлар дунёни ҳукм қилар
экансиз, наҳотки аҳамиятсиз икир–чикир ишларни ҳукм қила олмасангиз? 3 Биз
ҳатто фаришталарни ҳам ҳукм қиламиз–ку! Шуни билмайсизларми?! Шундай
экан, турмуш икир–чикирлари нима бўлибди?! 4 Нима учун энди бир–бирингизга
даъвоингиз бўлса, жамоатга дахли бўлмаган ҳакамларнинг олдига боряпсиз?!
5 Наҳотки орангизда ўз биродарларининг даъвосини ажрим қила оладиган
бирорта доно одам топилмаса?! Уялмайсизларми, ахир?! 6 Имонли биродар яна
бошқа бир имонли биродари билан даъволашмоқда, қолаверса буни имонсиз

ҳакамларнинг олдида қиляпти–я!
[7] Ундан кўра, ҳақсизликка чидаб турганингиз сизлар учун яхшироқ бўлмасмиди? Ҳатто ҳийла–найранглардан зарар кўриш сизлар учун афзалроқ бўлмасмиди? Бир–бирингиз билан даъволашишнинг ўзи сизлар учун тамоман мағлубият–ку! [8] Шуниси етмагандай, сизлар ҳийла–найранглар билан ўз биродарингизга ноҳақлик қиляпсизлар.
[9] Наҳотки билмасангизлар?! Ноҳақлик қилувчилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайдилар–ку! Адашманглар, жинсий томондан ахлоқсиз бўлганлар, бутпарастлар, зинокорлар, баччабозлару баччалар, [10] ўғрилар, тамагирлар, майхўрлар, ғийбатчилар ва товламачилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайдилар. [11] Баъзиларингиз олдин шундай эдингиз. Энди эса сизлар Раббимиз Исо Масиҳнинг номи билан ва Худонинг Руҳи орқали покландингиз, Худога бағишландингиз, оқландингиз.

Аъзойи баданингиз билан Худони улуғланг

[12] Баъзиларингиз: “Хоҳлаганимни қилишга ҳақим бор”, деб айтяпсизлар. Тўғри, лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас. Хоҳлаганимизни қилишга ҳақимиз бор, лекин ҳеч бир нарса бизнинг устимиздан ҳокимлик қилмаслиги керак. [13] Баъзиларингиз яна: “Овқат қорин учун, қорин эса овқат учун, Худо иккаласини ҳам йўқ қилади–ку”*, деб айтяпсизлар. Тўғри, аммо баданимиз зино учун хизмат қилмаслиги керак, аксинча, баданимиз билан Раббимиз Исога хизмат қилишимиз керак. Раббимиз баданимиз устидан ҳокимлик қилиши керак. [14] Раббимизни тирилтирган Худо Ўз қудрати билан бизларни ҳам тирилтиради.
[15] Билмайсизларми, ахир?! Аъзойи баданингиз Масиҳ танасининг аъзоси–ку! Шундай экан, мен Масиҳ танасининг аъзоларини олиб, фоҳиша танасининг аъзолари қилиб қўярмиканман? Йўқ, асло! [16] Фоҳиша билан қовушган у билан бир тан бўлишини билмайсизларми?! Муқаддас битикларда: “Иккаласи бир тан бўладилар”*, деб ёзилган–ку! [17] Раббимиз Исо билан бирга бўлган эса У билан бир руҳда бўлади.
[18] Жинсий ахлоқсизликдан ўзингизни олиб қочинглар! Жинсий ахлоқсизлик билан гуноҳ қилган ўз танасига қарши гуноҳ қилган бўлади, қолган ҳамма гуноҳлар эса танага бевосита боғланмаган ҳолда қилинади. [19] Наҳот билмасангиз?! Қалбингизда маскан қилган Муқаддас Руҳни Худо сизларга берган. Танангиз Муқаддас Руҳнинг маъбадидир. Сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. [20] Сизлар қиммат баҳога сотиб олингансизлар. Шунинг учун ўз танангиз билан Худони улуғланглар*.

7–БОБ

Никоҳ масаласи

[1] Энди сизлар менга ёзганларингизга келайлик. Орангизда баъзилар: “Эр хотини билан қовушмасин”, деб айтаётган экан. [2] Лекин жинсий ахлоқсизликка йўл қўймаслик учун ҳар бир киши ўз хотини билан, ҳар бир аёл эса ўз эри билан қовушиши керак. [3] Эр ўз хотинига нисбатан ва хотин ўз эрига нисбатан эр–хотинлик вазифасини бажарсин. [4] Хотиннинг бадани устидан хотин эмас, балки эри ҳокимлик қилади. Худди шу сингари, эрнинг бадани устидан эр эмас, балки хотини ҳокимлик қилади. [5] Бир–бирингиздан бош тортманглар. Фақатгина ўзаро келишган ҳолда, ўзингизни ибодатга бағишлаш* учунгина жинсий алоқадан ўзингизни тутиб туринг. Бундан сўнг яна қовушинглар, токи ўзингизни тия олмаслигингиздан фойдаланиб, шайтон сизларни васвасага солмасин. [6] Мен

буни буйруқ тариқасида эмас, насиҳат тариқасида айтяпман. 7 Қанийди, ҳамма менга ўхшаб сўққабош бўлса! Аммо ҳар бир одамда Худодан берилган инъом бор, бириники бу бўлса, бошқасиники удир.

8 Бева аёллар ва хотини ўлган эркакларга шундай дейман: мен каби бўлсалар, ўзлари учун яхшидир. 9 Аммо улар ўзларини тия олмасалар, уйлансинлар, эрга тегсинлар. Чунки шаҳвоний ишқ билан ёнишдан кўра, уйланиш, эрга тегиш яхшироқдир.

10 Қуйидаги амр эса уйланган ва эрга текканларга берилган. У мендан эмас, Раббимиз Исодандир: хотин эри билан ажрашмасин*. 11 Ажрашган бўлса, бошқа эрга тегмасин ёки ўз эри билан ярашсин. Эр ҳам ўз хотини билан ажрашмасин.

12 Эри ёки хотини имонли бўлмаганларга эса шундай деб айтаман. Булар Раббимизнинг эмас, менинг сўзларимдир: бирорта имонли эркакнинг хотини имонсиз бўлса–ю, аммо эри билан яшашга рози бўлса, эр хотини билан ажрашмасин. 13 Шунингдек, имонли аёлнинг эри имонсиз бўлса ва у хотини билан яшашга рози бўлса, ўша аёл эридан ажрашмасин. 14 Ахир, имонсиз эр имонли хотини туфайли покланади*. Шунингдек, имонсиз аёл имонли эри туфайли покланади. Натижада уларнинг фарзандлари ҳаром эмас, пок бўлади. 15-16 Худо бизни тинчликка чорлаган. Қаердан биласан эй хотин, балки сен орқали эринг нажот топар?! Эй эр, қаердан биласан, балки сен орқали хотининг нажот топар?! Аммо имонсиз инсон ўзининг имонли турмуш ўртоғидан ажрашмоқчи бўлса, ажрашаверсин. Шундан кейин ўша ажрашган имонли одамнинг боши боғлиқ эмас.

Худонинг даъватига қараб яшанглар

17 Ҳар бир инсонни Худо қандай даъват қилган бўлса, Раббимиз Исо уни қандай шароитга солган бўлса, у шундай яшашда давом этаверсин. Барча жамоатларда мана шундай таълим бериб келяпман. 18 Биров суннатли* бўлганда даъват этилдими, жарроҳлик ёрдамида қайта суннат қилинмагандай суннатини ўзгартирмасин. Бошқа биров суннатсиз* бўлганда даъват этилдими, суннат қилинмасин. 19 Ахир, суннат қилинган ёки қилинмаганликнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Энг муҳими, Худонинг амрларига амал қилишдир. 20 Ҳар ким қандай ҳолатда даъват этилган бўлса, ўша ҳолатини ўзгартиришга уринмасин. 21 Агар қул бўлганингда даъват этилган бўлсанг, ташвишланма. Аммо озод бўлишга имкон бор бўлса, фурсатни ғанимат бил.

22 Сизлар Раббимиз Исога тегишли бўлишга даъват этилгансиз. Ким қул бўлган пайтида даъват этилган бўлса, энди Раббимизнинг назарида у озод инсондир. Шунингдек, ким озод бўлган пайтида даъват этилган бўлса, энди у Масиҳнинг қулидир. 23 Сизлар қиммат баҳога сотиб олиндингиз, шунинг учун ўзингизни инсоний ғояларга қул қилманглар. 24 Биродарлар, Худо кимни қандай вазиятда даъват қилган бўлса, ўша вазиятда қолиб яшайверсин.

25 Ҳали оила қурмаган эркагу аёллар масаласига келсак, Раббимиз Исо бу ҳақда амр бермаган. Аммо мен Эгамизнинг меҳр–шафқати билан ишончли бўлган киши сифатида маслаҳат бера оламан. 26 Ҳозирги танг вазият сабабли киши қай ҳолда бўлса, шундай қолгани яхшидир. 27 Уйланганмисан? Хотининг билан ажрашма. Бўйдоқмисан? Хотин олмагин. 28 Борди–ю, уйлансанг, бу гуноҳ эмас. Шунингдек, қиз эрга тегса ҳам, гуноҳ бўлмайди. Аммо уйланганларнинг ташвиш ва изтироблари кўп бўлади, мен сизларни шулардан асрамоқчиман.

29 Эй биродарлар, сизларга яна шуни айтмоқчиманки, вақт энди қисқа. Вақти келиб, уйланганлару уйланмаганларнинг фарқи бўлмайди. 30 Йиғлаётганлару севинаётганлар, буюм харид қилганлар ўзларининг қайғу–аламлари,

хурсандчилиги ва мол–дунёси билан овора бўлиб қолмасин. 31 Бу дунёнинг
ишлари билан овора бўлганлар энди буни бас қилсинлар. Ахир, бу дунё
ўткинчи–ку!
32 Мен сизларнинг ташвишсиз бўлишингизни истайман. Бўйдоқнинг асосий
ташвиши Раббимиз Исони мамнун қилиш, Унинг ишлари билан машғул
бўлишдир. 33 Уйланган киши эса хотинини мамнун қилиш ниятида дунёвий
ишлар ҳақида қайғуради. 34 Унинг фикри иккига бўлинган. Ҳозир эрсиз бўлган
аёллар ва эрга тегмаган қизларнинг ҳам ташвиши* Раббимизнинг ишлари билан
машғул бўлишдир, уларнинг мақсади ҳам жисмонан, ҳам руҳан Раббимизга
бағишланишдир. Эрга теккан аёл эса эрини мамнун қилиш ниятида дунёвий
ишлар ҳақида қайғуради.
35 Мен сизларни чегаралаш ниятида эмас, балки сизларнинг манфаатингизни
кўзлаб буларни айтяпман. Токи сизлар фикрингизни чалғитмасдан, сидқидилдан
Раббимиз Исога берилиб, одобли ҳаёт кечиринглар. 36 Агар унаштирилган киши
ўз қайлиғига уйланмай, унга нисбатан нотўғри муомала қиляпман, деб ўйласа
ҳамда унга уйланишни қаттиқ хоҳласа, ўзининг берган сўзида туриб, уйлансин. Бу
гуноҳ эмас*. 37 Аммо у уйланишни эҳтиёж деб билмай, ўз қайлиғига
уйланмасликка қаттиқ қарор қилиб, бу борада иродасини кўрсата олса, бу ҳам
яхши. 38 Шундай қилиб, ўз қайлиғига уйланган киши яхши иш қилган бўлади,
уйланмаган эса ундан ҳам яхшироқ иш қилган бўлади.
39 Хотин кишининг эри тирик экан, унинг боши боғлиқдир. Агар эри ўлса, у
истаган кишига турмушга чиқиши мумкин, фақат у эркак Раббимиз Исога
тегишли бўлиши керак. 40 Аммо менимча, ўша аёл туллигича қолса, у яна ҳам
бахтли бўлади. Ишонаманки, менда ҳам Худонинг Руҳи бор.

8–БОБ

Бутга келтирилган қурбонлик гўшти масаласи

1 Бутга келтирилган қурбонлик гўшти* масаласига келсак. Ўзингиз
айтганингиздек, ҳаммамиз бу ҳақдаги ҳақиқатни биламиз. Аммо билим одамни
шишинтиради, меҳр–муҳаббатли инсон эса ўзгаларнинг манфаатини кўзда
тутади. 2 Агар бир киши билимлиман деб ўйласа, у ҳали зарур бўлган билимга
эришмаган. 3 Ким Худони яхши кўрса, Худо уни таниб–билади.
4 Энди бутга келтирилган қурбонлик гўштини ейиш масаласига келсак, биз
шуни биламизки, дунёда бут ҳеч нарса эмас, биргина Худодан бошқа Худо йўқ.
5 Гарчи ер у кўкда худо деб аталган нарсалар кўп бўлса–да (ҳақиқатан, бунақа
“худолар” ва “раббийлар” жуда кўп), 6 биз учун биргина Отамиз Худо бор. У бутун
мавжудотнинг Яратувчисидир ва биз У учун яшаймиз. Шунингдек, биргина
Раббимиз Исо Масиҳ бор. Бутун мавжудот Масиҳ орқали вужудга келган ва биз У
орқали яшаймиз. 7 Аммо ҳамма ҳам буларни билмайди. Орангизда баъзилар
“бутлар бор” деган фикрга шунчалик ўрганиб қолганки, бутларга келтирилган
қурбонлик гўштини еганда уларнинг виждони қийналади, чунки улар бундай
гўшт ейишни ҳали ҳам бутларга сажда қилиш деб билади. 8 Озиқ–овқат бизни
Худога яқинлаштира олмайди. Ахир, емасак ҳам бирор нарса йўқотмаймиз, есак
ҳам бирор фойда кўрмаймиз.
9 Фақат эҳтиёт бўлинг, сизларнинг бу эркинлигингиз заифларнинг васвасага
тушишига сабаб бўлмасин. 10 Масалан, сен билимли одам, бутхонада таом еб
ўтирибсан, дейлик. Бу масалада иккиланиб турган биродаринг сени кўриб
қолади. Бундан кейин у бутга келтирилган қурбонлик гўштидан ейишга мойил

бўлмайдими?! 11 Ўша заиф биродаринг учун Масиҳ ўлган, сен эса уни ўз билиминг
туфайли ҳалокатга йўлиқтирасан. 12 Шундай қилиб, иккиланиб турган
биродарингни васвасага солиб, унга қарши гуноҳ қилсанг, Масиҳга қарши гуноҳ
қилган бўласан. 13 Агар бирор овқатни ейишим биродаримнинг гуноҳ қилишига
сабаб бўлса, уни васвасага солмаслик учун энди мен умрбод ўша овқатни
емайман.

9–БОБ

Ҳаворийнинг ҳақ–ҳуқуқлари

1 Мен озод эмасманми?! Мен ҳаворий эмасманми?! Раббимиз Исони
кўрмаганманми?! Раббимиз йўлида қилган меҳнатимнинг маҳсули сизлар
эмасми?! 2 Агар бошқалар учун ҳаворий бўлмасам ҳам, ҳеч бўлмаса сизлар учун
ҳаворийдирман. Ахир, сизлар Раббимизга тегишли бўлганингиз учун
ҳаворийлигимнинг муҳрисизлар.
3 Мени танқид қилаётганлар олдида қуйидагилар билан ўзимни оқлайман.
4 Наҳотки Раббимиз йўлида қилган хизматимиз учун текин еб–ичишга ҳуқуқимиз
бўлмаса?! 5 Нима, бошқа ҳаворийлар каби, Раббимиз Исонинг укалари* ва
Бутрусга* ўхшаб, имонли бир аёлга уйланиб, уни ёнимизда олиб юришга ҳақимиз
йўқми?! 6 Ёки фақатгина мен билан Барнабо кун кечириш учун ўз қўлимиз билан
меҳнат қилишимиз керакми?!
7 Ким ўз ҳисобидан аскарлик қилади?! Ким ток ўтқазиб, унинг мевасини
емайди?! Ким пода боқиб, поданинг сутини ичмайди?! 8 Буларни фақатгина
инсоний нуқтаи назардан айтаётганим йўқ! Мусонинг қонуни ҳам худди шундай
буюради–ку! 9 Унда: “Ғалла янчаётган ҳўкизнинг оғзини тўсманг”*, деб
ёзилган–ку. Нима, Худо ҳўкизлар ҳақида қайғуряптими?! 10 Йўқ, Худо буни
бизнинг манфаатимиз учун айтган. Ҳа, булар биз учун ёзилган. Шудгор қилувчи
ҳам, ғалла янчувчи ҳам ўз ҳақини олиш умиди билан ишлайди–ку. 11 Биз руҳий
жиҳатдан сизларга хизмат кўрсатсак–да, моддий ёрдамингизни бизга кўп
кўрасизми? 12 Бошқалар сизларнинг ёрдамингиздан баҳраманд бўлаётган экан,
бизнинг ҳақимиз уларникидан ҳам кўпроқ эмасми?! Лекин биз бу ҳуқуқимиздан
фойдаланмадик. Аксинча, Масиҳнинг Хушхабарига тўсиқ бўлмайлик деб, ҳар
нарсага чидаб юрибмиз.
13 Билмайсизларми, Маъбадда хизмат қилувчи руҳонийлар* Маъбаддан овқат
олиб ейдилар. Қурбонгоҳда хизмат қилувчилар келтириладиган
қурбонликлардан улуш оладилар. 14 Шунингдек, Раббимиз Исонинг Ўзи буюргани
бўйича*, Хушхабар ёйиш вазифасини бўйнига олганлар бу иши орқали кун кечира
олишлари керак. 15 Аммо мен бу ҳуқуқларимдан фойдаланмадим ва бундан
фахрланаман. Бу хатни ўша ҳуқуқимдан фойдаланай, деб ҳам ёзаётганим йўқ.
Менга фахрланиш ҳуқуқини бераётган сабабни йўқотишдан кўра, ўлганим
яхшироқдир. 16 Мен Хушхабарни айтар эканман, бу билан мақтанишга ҳақим йўқ,
чунки бу зиммамдаги вазифамдир. Аммо Хушхабарни ёймасам, менинг ҳолимга
вой! 17 Мен буни ўз ташаббусим билан қилаётган бўлсам, мукофотга лойиқ
бўлардим. Лекин мукофотга лойиқ эмасман, чунки бор–йўғи зиммамдаги
вазифани бажаряпман, бу ишни қилишдан бошқа иложим йўқ. 18 У ҳолда менинг
мукофотим нима? Мукофотим шундаки, мен Хушхабарни ёйганимда, ҳеч кимдан
бирон нарса сўрамайман. Шунинг учун Хушхабарни ёйиш менга баъзи бир
ҳуқуқларни берса–да, улардан фойдаланмайман.

Павлуснинг мақсади

19 Мен қул эмас, эркин инсон бўлсам–да, ҳаммага қулдай хизмат қилдим. Янада
кўпроқ одам Исонинг шогирди бўлсин деб, шундай қилдим. 20 Ўша мақсадимни
кўзда тутиб, яҳудийлар учун яҳудийдай бўлдим, Мусонинг қонунига тобе
бўлмасам–да, бу қонунга тобе бўлганлар орасида худди улардай яшадим.
21 Мусонинг қонунини билмаганлар орасида бўлганимда, улар ҳам Исонинг
шогирдлари бўлсин деб, худди шулардай яшадим. Тўғри, мен Худонинг
қонунидан озод эмасман, Масиҳнинг амрларига тобеман. 22 Заиф инсонлар ҳам
Исони танисинлар деб, уларнинг орасида бўлганимда заиф инсондай бўлдим. Ҳеч
бўлмаса баъзиларни қай йўл билан бўлса–да, қутқарай деб, ҳаммага ҳамма нарса
бўлдим. 23 Мен буларнинг ҳаммасини Хушхабарни ёйиш ниятида қиляпман, токи
Хушхабар келтирадиган қут–баракалардан баҳраманд бўлай.
24 Биласизлар–ку, мусобақада кўпгина югурувчилар қатнашади, аммо фақат
бир киши ғолиб келиб, мукофот олади. Сизлар ҳам шундай югурингки,
мукофотни қўлга киритинглар. 25 Ахир, мусобақада қатнашадиган одам ўз
нафсини тийиб, тартиб–интизом билан машқ қилади–ку! Улар сўлиб қоладиган
гул тож олиш учун, биз эса боқий тож олиш учун ҳаракат қиламиз. 26 Шунинг учун
мен мақсадсиз югурмайман, курашганимда зарбаларим аниқ бўлади. 27 Танамни
чиниқтириб, уни ўз ихтиёримга бўйсундираман, токи бошқаларга Хушхабарни
ваъз қилиб туриб, ўзим мукофотга нолойиқ бўлиб қолмайин.

10–БОБ

Исроил халқининг тарихидан ибратлар

1 Биродарлар, ота–боболаримизнинг тарихини ёдингизга солмоқчиман.
Уларнинг ҳаммаси булут остида чўлни кезиб, Қизил денгиздан ўтдилар*. 2 Улар
булут остида кезиб, Қизил денгиздан ўтганда, гўё сувга чўмдирилгандай бўлиб,
Мусонинг издошлари бўлдилар. 3 Мўъжиза орқали уларнинг ҳаммасига бир хил
овқат берилди*. 4 Мўъжиза орқали ҳаммасига ичиш учун сув берилди. Мўъжиза
орқали улар қоядан сув олиб ичдилар*. Ўша қоя Масиҳнинг тимсоли эди. Юрган
йўлларида Масиҳ улар билан бирга эди. 5 Гарчи шундай бўлса ҳам, уларнинг
деярли ҳаммаси Худони норози қилди, шунинг учун итоатсизларни Худо саҳрода
ҳалок қилди.
6 Итоатсизларнинг бошига тушган кўргиликлар бизга ибрат бўлди, токи биз
ҳам уларга ўхшаб ёвузлик пайида бўлмайлик. 7 Уларнинг баъзиларига ўхшаб,
бутпараст бўлмайлик. Улар ҳақида шундай ёзилган–ку: “Халқ ўтириб еб–ичгандан
кейин кўнгилхушлик қилди.”* 8 Уларнинг баъзиларига ўхшаб жинсий
ахлоқсизликка берилмайлик. Улар ахлоқсизлик қилганлари учун бир кунда
йигирма уч мингтаси нобуд бўлди*. 9 Масиҳни синамайлик, чунки улардан
баъзилари шундай қилиб, илонларнинг заҳридан ҳалок бўлдилар*. 10 Ҳеч
нолимайлик. Улардан баъзилари минғирлаб нолидилар, шунинг учун Азроил
уларни уриб, нобуд қилди*.
11 Улар бошидан кечирган бу ҳодисалар бизларга ибрат бўлди. Замон
охирлашиб қолган пайтда яшаётганларга, яъни бизларга сабоқ бўлиши учун бу
ҳодисалар Муқаддас битикларда ёзиб қолдирилган. 12 Шунинг учун маҳкам
турибман, деб ўйлаган одам эҳтиёт бўлсин, тағин қоқилиб йиқилмасин. 13 Сизлар
тушган васвасага бошқалар ҳам дучор бўлган. Аммо Худо содиқдир, У
кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл қўймайди. Васвасага бардош
бера олишингиз учун керакли пайтда васвасадан қутулиш йўлини ҳам беради.

Жинлар билан алоқада бўлмаслик ҳақида

14 Эй азизларим, бутпарастликдан ўзингизни олиб қочинг! 15 Мен сизларни
ақли расо одамлар деб билиб гапиряпман. Айтаётганларимга ўзингиз баҳо
беринглар. 16 Биз дастурхон атрофида жам бўлиб ўтирганимизда*, Худога шукур
айтиб қутлуғ косадан ичганимизда Масиҳнинг тўкилган қонига шерик бўламиз,
нонни бўлишиб еганимизда эса Унинг қурбон қилинган танасига шерик
бўламиз–ку! 17 Битта нонни бўлиб еганимиздай, биз ҳаммамиз, кўпчилик
бўлсак–да, бир танани ҳосил қиламиз.
18 Исроил халқига қаранглар! Қурбонгоҳдаги қурбонликлардан тановул қилиш
улар учун Худога сажда қилиш дегани–ку! 19 Мен бу билан нима демоқчиман ўзи?
Бутга бағишланган қурбонликнинг ҳам бирор аҳамияти борми? Бутнинг ўзи ҳам
бирор аҳамиятга эгами? 20 Йўқ! Бутпарастлар қурбонлик келтирганларида, аслида
қурбонликни худо деб аталган бутларга эмас, балки жинларга бағишлаган
бўладилар. Жинларга шерик бўлишингизни мен хоҳламайман. 21 Сизлар ҳам
Раббимиз Исонинг косасидан, ҳам жинларнинг косасидан ича олмайсизлар. Ҳам
Раббимиз дастурхонидан, ҳам жинларнинг дастурхонидан баҳраманд бўла
олмайсизлар. 22 Наҳотки Раббимиз Исонинг рашкини қўзғатмоқчи бўлсангиз?
Наҳотки сизлар Ундан ҳам қудратлироқ бўлсангиз?!

Бошқаларнинг манфаатини кўзлаш

23 Баъзиларингиз: “Инсон хоҳлаганини қилишга ҳақли”, деб айтяпсиз. Тўғри,
лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас. Инсон хоҳлаганини қилишга ҳақи бор,
лекин ҳамма нарса ҳам манфаат келтирмайди. 24 Ҳамма биринчи ўринда ўзининг
эмас, бошқаларнинг манфаатини кўзда тутсин. 25 Бозордаги гўшт қаердан
келгани ҳақида сўраб–суриштирмай, пок виждон билан еяверинглар. 26 Ахир,
Муқаддас битикларда шундай ёзилган–ку:

“Эгамизникидир замин, ундаги бутун борлиқ.”*

27 Агар Масиҳни билмаган бирорта одам сизларни уйига чақирса ва сиз у ерга
борадиган бўлсангиз, олдингизга қўйилган ҳамма нарсани қаердан келганини
сўраб–суриштирмай, пок виждон билан еяверинглар. 28-29 Лекин бир биродар
сизга: “Бу қурбонлик гўшти”, деб айтса, унда ўша айтган одам ҳақи ва уни
васвасага солмаслик учун ўша гўштни еманглар*. Гўшт ейиш сиз учун гуноҳ
бўлмаса ҳам, ўша одам учун гуноҳ, у гўштни еса, виждони қийналади. Аммо мен бу
гўштни емасам ҳам эркинлигим чекланиб қолмайди. 30 Агар мен Худога шукрона
айтиб овқатни тановул қилсам, ўша овқатни еганим учун маломатга қолмайман.
31 Шундай қилиб, ейсизларми, ичасизларми, нимаики қилсангиз ҳам,
ҳаммасини Худони улуғлаш учун қилинглар. 32 Яҳудийлару ғайрияҳудийларни,
Худони биладигану билмайдиганларни ўйлаб иш тутинг. 33 Мен ҳам ўз
манфаатимни эмас, бошқаларнинг манфаатини кўзлаяпман, улар нажот топсин
деб, турли йўллар билан ҳамманинг кўнглини топишга ҳаракат қиляпман.

11–БОБ

1 Мен Масиҳдан ўрнак олганим каби, сизлар ҳам мендан ўрнак олинглар.

Бош ёпинчиқлари ҳақида

2 Доим мени эслаб турганларингиз ва мен сизларга ўргатган урф–одатларга
амал қилаётганларингиз учун сизларни мақтасам арзийди. 3 Лекин билингларки,
аёл эркакдан яратилган, ҳар бир эркакнинг ҳаёт манбаи Масиҳдир, Масиҳнинг

ҳаёт манбаи эса Худодир. 4 Бошини ёпиб ибодат қилган ёки шу ҳолда бошқаларга
Худонинг сўзини етказган ҳар бир эркак Масиҳни шарманда қилган бўлади–ку!
5 Аёл киши бошига ҳеч нарса ўрамай ибодат қилса ёки Худонинг сўзини гапирса,
эркакларга иснод келтиради, ахир, бошини ёпмаслик сочини қириб ташлаш
билан баробар–ку! 6 Агар аёл киши бошига бирор нарса ўрашни хоҳламаса, майли,
сочини кесиб ташлайверсин. Агар калта соч ва қирилган бош аёл кишининг
шарманда эканлигини кўрсатса, аёллар бошларига рўмол ўрасинлар.
7 Эркак киши бошини ёпмаслиги керак, чунки у Худонинг суратида яратилган
ва Унинг улуғворлигини акс эттиради. Аёл киши эса эркак кишининг
улуғворлигини акс эттиради. 8 Ахир, эркак аёлдан эмас, балки аёл эркакдан
яратилган. 9 Эркак аёл киши учун эмас, балки аёл эркак учун яратилган.
10 Сизларга шуни айтмоқчиман: аёл киши бошига бирор нарса ўрайдими ёки
йўқми, бу ҳақда ўзи қарор қилишга ҳақи бор. Ахир, эркаклар қатори, улар ҳам
фаришталарни ҳукм қиладилар–ку!* 11 Ҳолбуки, Раббимиз Исога тегишли
бўлганлар орасида аёл киши эркакдан мустақил эмас, эркак киши эса аёлдан
мустақил эмас. 12 Аёл киши эркакдан яратилгани тўғри, лекин ўша пайтдан бери
ҳар бир эркак аёл кишидан туғилган. Аслида эса бутун борлиқнинг манбаи
Худодир. 13 Ўзингиз ўйлаб кўринг–чи, аёл киши бошини ёпмай Худога ибодат
қилиши тўғрими? 14 Эркак кишининг сочлари узун бўлса, бу эркак учун
шармандалик эканлигини табиатнинг ўзи ўргатади–ку! 15 Худди шунга ўхшаб, аёл
кишининг сочи узун бўлса, бу аёл киши учун шараф эмасми?! Ахир, узун соч
бошига рўмол ўраш кераклигини кўрсатади. 16 Агар бирортаси бу масаладаги
йўл–йўриқларим ҳақида баҳслашмоқчи бўлса, билсинки, Худонинг жамоатларида
биз айтиб ўтганлардан бошқа урф–одатлар йўқ.

Раббимиз Исони хотирлаш ҳақидаги йўл–йўриқлар

17 Қуйидаги масалаларга келганда эса сизларни мақтай олмайман.
Йиғилишларингиз* фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтираётган экан. 18 Аввало,
сиз — имонлилар бирга йиғилганингизда ҳар хил гуруҳларга бўлинар экансиз,
бунга қисман бўлса ҳам ишонаман. 19 Тўғри, келишмовчиликларнинг олдини олиб
бўлмайди. Ахир, келишмовчилик бўлгандагина орангизда ким тўғри фикр
қилаётгани билинади.
20 Сизлар бирга йиғилганингизда ҳеч ҳам Раббимиз Исони хотирлаётганга
ўхшамайсиз. 21 Чунки ҳамма ўзи олиб келган овқатини ўзи тановул қилаётган
экан. Шундай қилиб, баъзилар оч қолаётган экан, баъзилар эса маст бўлиб
қолаётган экан. 22 Наҳотки ейиш ва ичиш учун уйларингиз бўлмаса?! Ёки
Худонинг жамоатини писанд қилмай, йўқсилларни хижолатда
қолдирмоқчимисизлар? Сизларга яна нима айтайин? Сизларни мақтаймми? Йўқ,
сизларни бу хусусда мақтамайман.
23 Мен сизларга берган йўл–йўриқларни Раббимиз Исодан ўрганганман.
Раббимиз Исо хоинларча тутиб берилган кечада қўлига нон олди–да, 24 шукрона
дуосини айтиб, синдирди ва шундай деди*: “Бу нон Менинг танамни билдиради.
Танам сизлар учун фидо бўлади. Биргаликда нон синдириб еганингизда Мени
хотирланглар.” 25 Овқатланиб бўлганларидан кейин, Исо яна шукрона айтиб,
шароб қуйилган косани олди–да, шундай деди: “Бу коса Худонинг янги аҳдини
билдиради. Бу аҳд сизлар учун тўкиладиган қоним эвазига кучга киради.
Биргаликда косадан шароб ичганингизда Мени хотирланглар.” 26 Ҳар сафар
биргаликда шу тарзда нон еб, шароб ичар экансиз, Раббимиз келгунига қадар
Унинг ўлимини эълон қилаётган бўласизлар.
27 Шундай қилиб, кимда–ким Раббимизнинг йўлида юрганларга номуносиб

равишда бу нондан еса ёки Раббимизнинг косасидан ичса, Раббимизнинг танаси ва қонига қарши гуноҳ қилган бўлади. 28 Шунинг учун ҳар бир киши ўзини ўзи текшириб кўрсин, шундан сўнггина нондан есин ва шаробдан ичсин.
29 Раббимизнинг танасини писанд қилмасдан* еб–ичган одам ўзини ўзи маҳкум қилган бўлади. 30 Мана шу сабабдан кўпларингиз заиф ва хастасизлар, ҳатто баъзилар ўлиб кетган. 31 Агар ўзимизни ўзимиз яхшилаб текширганимизда эди, маҳкум бўлмас эдик. 32 Дунё билан бирга маҳкум бўлмаслигимиз учун Раббимиз Исо бизни ҳукм қилиб, адабимизни беряпти. 33 Шунинг учун, биродарларим, Раббимизни хотирлаш ниятида биргаликда еб–ичиш учун йиғилганингизда, бир–бирингизни кутиб туринглар. 34 Агар бирор киши оч бўлса, ўз уйида овқат еб келсин. Шунда йиғилишингиздаги хулқ–атворингиз сизларни маҳкум қилмайди. Қолган масалалар ҳақида олдингизга борганимдан кейин йўл–йўриқ кўрсатаман.

12–БОБ

Муқаддас Руҳ берадиган инъомлар ҳақида

1 Эй биродарларим, энди Муқаддас Руҳ берадиган инъомлар масаласига келсак, бу ҳақда тўлиқ тушунчага эга бўлишингизни хоҳлайман. 2 Эсингиздами, сизлар Худосиз бўлган пайтларингизда йўлдан озиб, соқов бутларга сажда қилар эдингиз. 3 Шунинг учун қуйидагиларни билишингизни хоҳлайман. Худонинг Руҳидан илҳом олаётган ҳеч ким Исони лаънатламайди, шунингдек, ҳеч ким Муқаддас Руҳнинг илҳомисиз Исони Раббим деб айта олмайди.

4 Руҳ берадиган инъомлар ҳар хилдир, аммо Руҳ бирдир. 5 Хизмат қилиш йўллари ҳар хилдир, Раббимиз Исо эса бирдир. 6 Тўғри, хизматлар ҳар хилдир, лекин ҳар бир инсонга бу хизматларни бажариш қобилиятини бераётган Худо бирдир.

7 Умумий манфаат учун Муқаддас Руҳ ҳар кимда ўзига хос равишда намоён бўлади. 8 Бир одамга Руҳ орқали донолик билан гапириш қобилияти берилади, бошқа бировга эса худди шу Руҳ орқали илм–маърифатга тўла сўзларни гапириш қобилияти берилади. 9 Ўша Руҳ орқали кимгадир кучли бир имон берилади, бошқа бировга эса шифо бериш инъоми берилади. 10 Баъзиларга мўъжизалар кўрсатиш қобилияти, бошқаларга Худонинг сўзини етказиш инъоми берилган. Яна бошқаларга эса руҳларнинг фарқига бориш инъоми берилган. Кимгадир номаълум тилларда гапириш инъоми берилган бўлса, бошқаларга бу тилларни таъбир қилиш инъоми берилган. 11 Буларнинг ҳаммасини Муқаддас Руҳ бажо қилади. Ҳар бир инсонга Руҳнинг Ўзи лойиқ кўрган инъомни ато қилади.

Тана бир, тана аъзолари эса кўп

12 Тана бир бўлса–да, унинг аъзолари кўп. Худди шунингдек, тана аъзолари кўп бўлса–да, уларнинг ҳаммаси бир танани ташкил қилади. Масиҳнинг танаси, яъни жамоат ҳам шундайдир. 13 Ахир, биз ҳаммамиз — яҳудийлару юнонлар*, қуллару озод бўлганлар, бир тана бўлишимиз учун бир Муқаддас Руҳга чўмдирилдик. Ҳаммамиз ўша бир Руҳга тўлиб–тошганмиз. 14 Зотан, бадан бир аъзодан эмас, балки кўп аъзолардан иборат. 15 Оёқ: “Мен қўл эмасман, шунинг учун танага тегишли эмасман” дегани билан танага тегишли бўлмай қолмайди–ку! 16 Қулоқ ҳам: “Мен кўз эмасман, шунинг учун танага тегишли эмасман” дегани билан танага тегишли бўлмай қолмайди–ку! 17 Ахир, бутун тана кўз бўлса, қандай қилиб эшитади? Агар бутун тана қулоқ бўлса, қандай қилиб ҳидлай олади? 18 Ахир, Худо тана аъзоларининг ҳар бирини Ўзи хоҳлаган жойига қўйган. 19 Агар уларнинг ҳаммаси биргина аъзо бўлганда, тана бўлармиди?!

20 Шундай қилиб, тана аъзолари кўп, лекин тана бирдир. 21 Кўз қўлга: “Сен
менга керак эмассан”, деб айта олмайди, бош ҳам оёқларга: “Сизлар менга керак
эмассизлар”, дея олмайди–ку! 22 Аксинча, ожиз туюлган тана аъзолари энг
керакли аъзолардир. 23 Биз танамизнинг уятли ҳисобланган аъзоларига эътибор
бериб, уларни ёпиб юрамиз. Кўримсиз туюлган тана аъзоларимизга
диққат–эътибор қиламиз. 24 Уятли бўлмаган тана аъзоларимизга бундай эътибор
беришимизнинг ҳожати йўқ. Худо танамизни шундай яратганки,
ҳурмат–эътиборсиз аъзоларга кўпроқ иззат–эътибор берилади. 25 Шундай қилиб,
тана аъзолари орасида келишмовчилик бўлмайди, балки барча аъзолар
бир–бирига ғамхўрлик қилади. 26 Агар бир аъзо азоб чекса, қолган барча тана
аъзолари у билан бирга азоб чекади. Агар бир аъзо юксалса, қолган барча аъзолар
у билан бирга севинади.
27 Энди сизлар Масиҳнинг танасисизлар, ҳар бирингиз тананинг алоҳида бир
аъзосисиз. 28 Шу тариқа, Худо имонлилар жамоатига, биринчидан, ҳаворийларни,
иккинчидан, пайғамбарларни, учинчидан, муаллимларни тайинлаб берди. Кейин
баъзиларга мўъжиза кўрсатиш қобилиятини, бошқаларга эса шифо бериш
инъомини, яна бошқаларга ёрдам бериш, бошқариш, номаълум тилларда
гапириш қобилиятларини ато қилди. 29 Ҳамма ҳаворийми?! Ҳамма ҳам Худонинг
сўзларини етказа оладими?! Ҳамма ҳам муаллимми?! Ҳамма мўъжиза
кўрсатадими?! 30 Ҳаммада шифо бериш инъоми борми?! Ҳамма ҳам номаълум
тилларда гапириш қобилиятига эгами?! Ҳамма ҳам номаълум тилларда
айтилганларни талқин қила оладими?!
31 Сизлар улуғроқ инъомларга эга бўлишга интилинглар. Энди сизларга энг
олий йўлни кўрсатаман.

13–БОБ

Севги — энг олий хислат

1 Агар мен инсонларнинг ва фаришталарнинг тилларида гапирсам–у, лекин
севгим бўлмаса, жаранглайдиган мис чолғу, янграйдиган зил бўлиб қоламан.
2 Агар менда Худонинг сўзини етказиш инъоми бўлса, бутун сирлардан воқиф
бўлиб, ҳар қандай билимга эга бўлсам, агар тоғларни кўчирадиган имонга эга
бўлсам–у, лекин севгим бўлмаса, мен ҳеч нарсага арзимас инсон бўлиб қоламан.
3 Бор мулкимни муҳтожларга тақсимлаб берсам, менга шараф келтирсин деб,
ҳатто қийноқларга рози бўлсам–да*, лекин севгим бўлмаса, буларнинг менга
фойдаси йўқ.
4 Севги сабр–тоқатли ва меҳрибондир. Севги ҳасад қилмайди, мақтанмайди,
кеккаймайди. 5 Севги одобсизлик қилмайди, худбинлик қилмайди,
аччиқланмайди, кек сақламайди. 6 Севги ноҳақликдан севинмайди, аксинча,
ҳақиқат қарор топганда шодланади. 7 Севги ҳар нарсани кўтаради, ҳеч қачон
ишончини йўқотмайди, ҳар қандай шароитда умид сақлайди, ҳар нарсага тоқат
қилади.
8 Худонинг сўзини етказиш инъоми ҳам, номаълум тилларда гапириш инъоми
ҳам йўқ бўлади, билим ҳам бартараф бўлади. Севги эса асло адо бўлмайди. 9 Мана,
ҳозир билимимиз тўлиқ эмас, Худонинг сўзини етказиш қобилиятимиз ҳам
чекланган. 10 Камолот зоҳир бўлганда эса тўлиқсиз нарсалар бартараф бўлади.
11 Болалик пайтларимда мен бола каби гапирардим, бола каби фикр қилардим,
бола каби мулоҳаза қилар эдим. Вояга етгач, болаликни ташладим. 12 Шу сингари,
биз ҳозир хира ойна орқали кўргандай бўляпмиз, аммо вақти келганда аниқ

кўрамиз. Ҳозирги билганларим тўлиқ эмас. Ўша пайтда эса Худо мени тўлиқ билгани каби мен ҳам ҳамма нарсани тўлиқ тушунаман.
13 Мана бу уч нарса бор: ишонч, умид ва севги. Севги эса энг аълосидир.

14–БОБ

Муқаддас Руҳ ато қиладиган инъомлардан фойдаланиш

1 Севгининг пайида бўлинглар, шунингдек, Муқаддас Руҳ берадиган
инъомларни олишга, айниқса инсонларга Худонинг сўзини етказишга
интилинглар. 2 Ким номаълум тилда гапирса, инсонларга эмас, Худога гапиради,
чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Руҳдан илҳомланиб, сирларни гапиради.
3 Худонинг сўзини етказадиганлар эса одамларни имонда маҳкам туришга
ундайдилар, уларга далда берадилар, юпатадилар. 4 Одам номаълум тилда
гапирганда, фақатгина ўзининг имонини мустаҳкамлайди. Худонинг сўзини
одамларга етказадиган инсон эса бутун жамоатнинг имонини мустаҳкамлайди.
5 Ҳаммангиз ҳам номаълум тилларда гапиришингизни истайман, лекин
бошқаларга Худонинг сўзини етказадиган инсон бўлишингизни ундан ҳам
кўпроқ хоҳлайман. Чунки Худонинг сўзини айтиш одамларга кўпроқ фойда
келтиради, лекин номаълум тилда гапирганнинг сўзлари талқин қилинса, бу ҳам
жамоатнинг имонини мустаҳкамлайди.
6 Хўш, биродарларим, мен сизларнинг олдингизга келиб, номаълум тилда
гапирсам–да, лекин айтганларим сизларга ҳеч қандай тушунча, билим бермаса,
Худонинг сўзини етказмаса ва йўл–йўриқ кўрсатмаса, мен сизларга қандай фойда
келтирган бўламан? 7 Ҳатто жонсиз чолғу асбоблари ҳам, масалан, най ёки чанг,
фарқли бир садо чиқармаса, най ёки чангда қандай мусиқа чалинаётганини одам
қаердан билади? 8 Агар бурғу ноаниқ бир садо берса, ким жангга тайёргарлик
кўришни бошлайди? 9 Шунга ўхшаб, агар сизларнинг гапингиз тушунарсиз бўлса,
тингловчиларингиз нима гапирганингизни қандай билиб оладилар? Сизлар
ҳавога гапиргандай бўласизлар.
10 Дунёда тиллар кўп ва хилма–хилдир, улардан бирортаси ҳам маъносиз эмас.
11 Агар мен бирор тилни тушунмасам, у тилда гапираётган одам учун мен
ажнабийман, у ҳам мен учун ажнабийдир. 12 Модомики, сизлар Руҳ берадиган
инъомларга эга бўлишга интилаётган экансизлар, бутун жамоатнинг имонини
мустаҳкамлайдиган инъомга бой бўлиш пайида бўлинглар. 13 Шунинг учун
номаълум тилда гапирган одам ўзининг айтганларини талқин қилиш
қобилиятини олиш учун ҳам ибодат қилсин. 14 Агар мен номаълум тилда ибодат
қилсам, руҳим ибодат қилади, онгим эса бунда иштирок этмайди. 15 Хўп, бундан
қандай хулоса чиқараман? Руҳим билан ибодат қиламан, онгим билан ҳам ибодат
қиламан. Руҳим билан ҳамду сано айтаман, онгим билан ҳам ҳамду сано айтаман.
16 Акс ҳолда, агар сен руҳинг билан номаълум тилда ҳамду сано айтсанг,
атрофдагилар қандай қилиб сенинг шукрона ибодатингга қўшилиб “омин” деб
айта олади? Улар сенинг айтаётганларингни тушунмайди–ку! 17 Шу тарзда
шукрона айтганинг яхши, лекин бу атрофдагиларнинг имонини
мустаҳкамламайди–ку! 18 Худога шукурки, номаълум тилларда мен ҳаммангиздан
ҳам кўпроқ гапираман. 19 Имонлилар жамоатида эса номаълум тилда минглаб
сўзларни гапиргандан кўра, бошқаларга насиҳат қилиш учун тушунарли
бештагина сўз айтишни афзал биламан.
20 Эй биродарларим, ёш болалардай фикр қилманглар. Аксинча, ёмонликка
келганда чақалоқдек бўлиб, ақл–идрокка келганда эса етук инсонлар бўлинглар.

21 Муқаддас битикларда* қуйидагидай ёзилган:

“Эгамиз шундай демоқда:
«Мен бу халққа ўзга тилларда,
Бегона халқларнинг оғзи орқали гапираман,
Аммо шунда ҳам улар Менга қулоқ солмайдилар.»”*

22 Демак, номаълум тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатдир. Худонинг сўзини етказиш инъоми эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учун аломатдир. 23 Агар имонлилар жамоати бир жойда йиғилиб, ҳаммаси номаълум тилларда гапираётган бўлишса, у ерда бундан бехабар бўлганлар, яъни имонсизлар бўлса, улар: “Булар жинни бўлиб қолибди”, деб айтмайдими?! 24 Аммо ҳамма Худонинг сўзини тушунарли равишда бошқаларга етказиб бераётган бўлса, у ердаги имонсиз одам уларнинг айтганларини эшитади. Шундан кейин юрагини текшириб кўради–да, гуноҳкор эканлигига амин бўлади. 25 Унинг юрагидаги сирлари фош бўлади. Шунда у мук тушиб: “Чиндан ҳам Худо сизлар билан экан”, дейди–да, Худога сажда қилади.

Жамоат йиғилишларидаги тартиб–қоида

26 Энди, биродарлар, бундан қандай хулоса чиқарамиз? Бирга йиғилганингизда, баъзилар сано айтади, баъзилар таълим беради, баъзилар Худонинг сўзини бошқаларга етказади, баъзилар номаълум тилларда гапиради, яна баъзилар эса уларнинг айтганларини талқин қилади. Буларнинг ҳаммасини имонлилар жамоатининг имонини мустаҳкамлаш ниятида қилсинлар. 27 Агар баъзилар номаълум тилларда гапирмоқчи бўлса, икки киши, энг кўпи билан уч киши навбат билан гапирсин, уларнинг айтганлари талқин қилинсин. 28 Агар таъбир қилувчи бўлмаса, номаълум тилда гапираётган одам жамоатда сукут сақлаб, ўзига ва Худога гапирсин.

29 Шунингдек, икки ёки учта одам бошқаларга Худонинг сўзини етказсин, қолганлар эса айтилганларга баҳо берсинлар. 30 Ўтирганлардан бирига Худонинг сўзи келса, ўша пайтда гапираётган одам жим бўлсин. 31 Шунда ҳамма бирин–кетин Худонинг сўзини бошқаларга етказа олади, токи ҳамма таълим ва далда олсин. 32 Худонинг хабарини етказаётганда инсон ўз руҳини бошқара олади. 33 Ахир, Худо тартибсизлик Худоси эмас, балки тинчлик Худосидир. Барча жамоатларда, Худонинг азиз халқи орасида бу намоён бўлиб турибди.

34 Жамоатда аёллар сукут сақласин. Ахир, уларга гапириш учун ижозат берилмаган, Муқаддас битикларда ёзилганидай, улар итоаткор бўлишлари керак. 35 Агар улар бирор нарсани билмоқчи бўлсалар, уйда ўз эрларидан сўрасинлар. Имонлилар жамоатида аёл кишининг гапириши адабсизликдир.

36 Эй Коринфлик биродарлар, Худонинг сўзи сиздан келиб чиққанми?! Наҳотки у фақатгина сизларга етиб борган бўлса?! 37 Агар бирор киши: “Менда Худонинг сўзини етказиш инъоми бор” ёки “Руҳдан махсус бир инъом олганман”, деб ўйласа, менинг ёзганларим Раббимиз Исонинг амри эканлигини эътироф этсин. 38 Аммо улар буни тан олмасалар, уларга эътибор бермanglар.

39 Шундай экан, биродарларим, бошқаларга Худонинг сўзини етказишга интилинглар, бошқаларнинг номаълум тилларда гапиришига тўсқинлик қилманглар. 40 Фақат ҳаммаси одоб ва тартиб билан қилинсин.

15–БОБ

Исо Масиҳ ўликдан тирилгани ҳақида

1 Биродарларим, мен ўзим сизларга етказган Хушхабарнинг моҳиятини яна
бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Сизлар бу Хушхабарни қабул қилдингиз, у
имонингизнинг асосидир. 2 Ўша Хушхабар орқали нажот топасиз, аммо сизлар мен
айтган ўша Хушхабар орқали етишган имонингизда маҳкам туришингиз керак,
акс ҳолда, имонингиз бекор бўлади.
3 Менга берилган энг муҳим таълимотни сизларга етказдим. Бу таълимот
қуйидагичадир: Муқаддас битикларга мувофиқ*, Масиҳ гуноҳларимиз учун ўлган.
4 Кейин У дафн қилинди, учинчи куни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас
битикларга мувофиқ содир бўлди. 5 Аввал У Бутрусга*, сўнгра ўн икки шогирдига
кўринди. 6 Ундан кейин бир вақтнинг ўзида беш юздан кўпроқ биродарларга
кўринди. Уларнинг аксарияти ҳозирга қадар тирик, баъзилари эса дунёдан кўз
юмиб кетганлар. 7 Ундан сўнг Масиҳ Ёқубга* ва қолган барча ҳаворийларга
кўринди. 8 Мен ривожланмай қолган бир ҳомиладай бўлсам–да, ниҳоят менга ҳам
кўринди*.
9 Ахир, мен ҳаворийларнинг энг арзимасиман, ҳаворий деб аталишга ҳам
лойиқ эмасман, чунки мен Худонинг жамоатини қувғин қилардим. 10 Аммо
Худонинг инояти туфайли энди ҳаворийман. Унинг менга кўрсатган инояти зое
кетмади, зеро, мен ҳаворийларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ меҳнат қилдим.
Лекин аслида меҳнат қилган мен эмас, балки Худонинг иноятидир. 11 Сизлар
Хушхабарни мендан эшитдингизми ёки бошқаларданми, фарқи йўқ, чунки биз
бир Хушхабарни ваъз қиламиз, сизлар эса ўша Хушхабарга ишонгансиз.

Ўликдан тирилиш ҳақида

12 Масиҳ ўликдан тирилган, деб ваъз қилинаётган экан, қандай қилиб
баъзиларингиз, ўликдан тирилиш деган нарса йўқ, деб айтяпсизлар?! 13 Ахир,
ўликдан тирилиш бўлмаса, Масиҳ ҳам тирилмаган экан–да! 14 Масиҳ тирилмаган
бўлса, Хушхабарни ваъз қилишимиз бекор, сизларнинг имонингиз ҳам бекор.
15 Агар ростдан ҳам ўликлар тирилмаса ва Масиҳни Худо тирилтирмаган бўлса,
бундай ҳолда, биз Худо ҳақида ёлғон шоҳидлик берган бўламиз, чунки биз: “Худо
Масиҳни тирилтирди”, деб шаҳодат бериб юрибмиз. 16 Ўликлар тирилмас экан,
Масиҳ ҳам тирилмаган бўлади. 17 Агар Масиҳ тирилмаган бўлса, сизларнинг
имонингиз беҳуда, сизлар ҳали ҳам гуноҳга ботганингизча юрибсизлар. 18 Шундай
бўлса, Масиҳга ишонган ҳолда ҳаётдан кўз юмганлар бутунлай ҳалок бўлиб
кетибдилар–да! 19 Агар биз ёлғиз бу ҳаёт учун Масиҳга умид боғлаган бўлсак, энг
бахтсиз инсонлар эканмиз.
20 Ваҳоланки, Масиҳ ҳақиқатан ҳам тирилди! У биринчи бўлиб тирилди, шу
тариқа ўликдан тириладиганларнинг орасида ҳосилнинг илк самарасидай бўлди.
21 Ўлим бир инсон орқали дунёга кирди. Шунга ўхшаб, ўликларнинг тирилиши
ҳам бир Инсон орқали содир бўлади. 22 Ахир, бу дунёга ўлим Одам Ато туфайли
кириб келди, энди Исо Масиҳ орқали ҳамма тирилади. 23 Ҳамма нарса ўз навбати
билан содир бўлади: мана, Масиҳ биринчи бўлиб тирилди, Масиҳ келганда эса
Унга тегишли бўлганлар тирилади. 24 Шундан сўнг Масиҳ ҳар қандай ҳокимиятни,
ҳукмронлик ва қудратни барбод қилиб, салтанатни самовий Ота — Худога
топширганда охират бўлади.
25 Масиҳнинг ҳамма душманлари Унинг оёқлари остига пойандоз
қилинмагунча, У ҳукмронлик қилиши керак. 26 Шунда охирги душман — ўлим ҳам
барҳам топади. 27 Ахир, Муқаддас битикларга кўра, Худо ҳамма нарсани Масиҳга

тобе қилиб, Унинг оёқлари остига ташлаган*. Гарчи шундай бўлса–да, борлиқни
Унга тобе қилган Худо бундан истиснодир. 28 Худо ҳамма нарсани Масиҳга тобе
қилгандан кейин, Ўғил ҳам Худога тобе бўлади, токи Худо борлиқ устидан
бутунлай ҳукмрон бўлсин.
29 Баъзиларингиз ўлганлар учун сувга чўмдирилаётган экансиз*. Ўликлар
тирилмас экан, уларнинг ўрнига чўмдирилишнинг қандай фойдаси бор? 30 Хўш,
нима учун бизлар ҳар дақиқа ўз ҳаётимизни хавф–хатар остига қўйяпмиз? 31 Ҳар
куни ўлимга рўбарў бўлаётганим рост! Биродарларим, Раббимиз Исо Масиҳ
сизларнинг ҳаётингизда қилаётган ишларидан фахрланаётганим чин
бўлганидай, айтаётган гапларимда ҳам бирор ёлғон йўқ. 32 Агар фақатгина бу
дунёга умид боғлаган бўлсам, нима учун Эфес шаҳрида ҳаётимни хавф остига
қўйдим?!* Агар ўликлар тирилмас экан, унда “келинглар, еб–ичиб қолайлик,
эрта–индин ўлиб кетамиз–ку”* дейиш ўринли бўлмайдими?! 33 Лекин
адашманглар, ахир, “ёмон улфатлар яхши ахлоқни бузади”, дейишади–ку!
34 Кўзларингизни очиб, ўзингизга келинглар! Бас энди, гуноҳ қилавермanглар.
Кўриниб турибдики, баъзиларингиз Худони билмайсизлар. Сизларни уялтирай
деб, буларни айтяпман.

Тирилган тананинг хусусиятлари

35 Эҳтимол, бирор киши: “Ўликлар қандай қилиб тириларкан? Уларнинг
таналари қанақа бўларкан?” деб сўрар. 36 Қандай аҳмоқона савол–а бу! Ахир,
экилган уруғ ўлмаса, ўсимлик ўсиб чиқмайди–ку! 37 Буғдой бўладими ёки бошқа
бирор нарсами, экин экканингда, ўсиб чиқадиган ўсимликни эмас, унинг уруғини
экасан–ку! 38 Худо уруққа Ўзи истаган бир жисмни бағишлайди, ҳар бир уруғдан
алоҳида бир жисмни ҳосил қилади.
39 Кўриб турибмизки, жонзотларнинг ҳам таналари ҳар хил, инсонларники
бошқача, ҳайвонларники бошқача, қушларники бошқача, балиқларники бошқача.
40 Самовий ва дунёвий жисмлар ҳам бор. Лекин самовий жисмларнинг кўрки
бошқа, дунёвийларники бошқа. 41 Қуёшнинг кўрки бошқа, ойнинг кўрки бошқа
ҳамда юлдузларнинг кўрки бошқа. Ахир, юлдузлар ҳам ўз кўркига яраша
бир–биридан фарқ қилади.
42 Ўликларнинг тирилиш жараёни ҳам қуйидагига ўхшайди: экилган уруғдан
ўсимлик ўсиб чиққандай, ўладиган танамиз ўлмайдиган бўлиб тирилади.
43 Ҳозирги ожиз ва хор бўлган танамиз, қудрату улуғворликка тўла равишда
тирилади. 44 Ҳозирги танамиз моддий бир жисм бўлса, тириладиган танамиз
руҳий бир тана бўлади. Ахир, моддий тана бор экан, руҳий тана ҳам бор–да!
45 Муқаддас битикларда ёзилгани бўйича: “Биринчи одам — Одам Ато тирик жон
бўлди.”* Охирги Одам Ато, яъни Исо Масиҳ эса ҳаётбахш руҳ бўлди.
46 Мана шундан кўриниб турибдики, руҳий тана эмас, моддий тана биринчи
келган. Моддий тана ўтиб кетгандан кейингина, руҳий тана келади. 47 Биринчи
одамнинг танаси моддий жисмдир, у тупроқдан яратилган, иккинчи Одам, яъни
Масиҳ эса самовийдир. 48 Тупроқдан яратилган илк одам қандай бўлса, қолган
ҳамма одамлар ҳам шундайдир. Самовий Одам, яъни Масиҳ қандай бўлса,
самодагилар ҳам худди Унга ўхшайдилар. 49 Биз тупроқдан яратилган одамга
ўхшар эканмиз, бир кун келиб, самовий Одамга ҳам ўхшаган бўламиз.
50 Эй биродарлар! Сизларга қуйидагиларни айтмоқчиман: қон ва этдан иборат
бўлган таналаримиз Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўла олмайди. Бу фоний
тана мангу ҳаётга эга бўла олмайди. 51 Мен сизларга бир сирни билдирмоқчиман:
биз ҳаммамиз ҳам ўлмаймиз, аммо ҳаммамиз ўзгарамиз. 52 Тўсатдан, кўз очиб
юмгунча, охирзамон карнайи чалинганда ўзгарамиз. Ҳа, карнай чалинади ва шу

онда марҳумлар ҳеч ўлмайдиган бўлиб тириладилар. Шунда биз ҳам ўзгарамиз.
53 Чунки бизнинг ўладиган танамиз ўлмайдиган танага, фоний танамиз мангу
танага айланиши керак. 54 Ўладиган танамиз ўлмайдиган танага, бу фоний
танамиз мангу танага айланганда, Муқаддас битикларда ёзилган қуйидаги сўзлар
амалга ошади:

“Ўлим енгилиб, йўқ бўлди.
55 Эй ўлим, сенинг зафаринг қаерда?!
Эй ўлим, сенинг нишинг қаерда?!”*

56 Ўлимнинг ниши гуноҳдир. Гуноҳнинг қуввати эса қонундан келиб чиқди.
57 Худога шукурлар бўлсин! У Раббимиз Исо Масиҳ орқали бизга ғалаба ато
қилган.

58 Шунинг учун, эй азиз биродарларим, ҳеч иккиланмай, имонингизда маҳкам
туринглар. Ҳамиша Раббимиз Исога хизмат қилишга бағишланиб, янада ғайратли
бўлинглар. Ахир, Раббимиз йўлида қилган меҳнатингиз самарасиз қолмаслигини
биласизлар–ку!

16–БОБ

Қуддусдаги жамоат учун маблағ йиғиш ҳақида

1 Энди Худойимизнинг Қуддусдаги азизларига моддий маблағ тўплаш*
масаласига келсак, сизлар ҳам Галатия ҳудудидаги жамоатларга берган
йўл–йўриқларимга амал қилинглар. 2 Ҳар якшанба куни ҳар бир одам қўлидан
келганича бир миқдор пулни олиб қўйсин, токи олдингизга борганимда пул
йиғишга ҳожат бўлмасин. 3 Борганимдан кейин, эҳсонларингизни имонлиларга
топширсин деб, ўзингиз муносиб кўрган кишиларни Қуддусга жўнатаман.
Уларнинг ҳар бирини таништириб, мактуб ёзиб бераман. 4 Агар боришга имкон
бўлса, ўзим ҳам улар билан бирга бораман.

Павлуснинг режалари ва йўл–йўриқлари

5 Македониядан ўтиш ниятим бор. Шундан кейин сизларнинг олдингизга
бораман. 6 Сизлар билан бирмунча вақт бўламан, деб ўйлайман, балки ҳатто
қишни ҳам сизлар билан ўтказарман. Ундан кейин қаерга бормоқчи бўлсам ҳам,
сизларнинг ёрдамингиз билан сафаримни яна давом эттираман. 7 Ахир, сизларни
фақатгина йўл–йўлакай кўришни истамайман, Раббимиз Исо хоҳласа, сизлар
билан кўпроқ вақт ўтказаман, деб умид қиламан. 8 Лекин Ҳосил байрамига* қадар
Эфес шаҳрида қоламан. 9 Чунки бу ерда менга қарши чиққанлар кўп бўлишига
қарамай, таъсирчан фаолият кўрсатишим учун йўл очилди.

10 Тимўтий* олдингизга борганда унга ғамхўрлик қилинглар, у орангизда
хотиржам юрсин, чунки у ҳам менга ўхшаб Раббимиз Исо хизмати билан машғул.
11 Ҳеч ким унга паст назар билан қарамасин. Тимўтий менинг олдимга қайтиб
келаётганда, уни эсон–омон кузатиб юборинглар. Унинг биродарлар билан бирга
келишини кутиб турибман.

12 Биродаримиз Аполлосга* келсак, уни биродарларга қўшилиб сизларнинг
олдингизга боришга кўп ундадим, лекин унинг ҳозир ҳеч боргиси йўқ. Имкони
бўлса кейинроқ борар экан.

13 Ҳушёр бўлинглар, имонда маҳкам туриб, жасоратли ва кучли бўлинглар.
14 Ҳамма нарсани меҳр–муҳаббат билан қилинглар. 15 Биродарлар, Стефанаснинг
хонадонини биласизлар. Улар Ахая вилоятида* биринчи бўлиб Масиҳга имон

келтирган ва ўзларини Худонинг азиз халқига хизмат қилишга бағишлаганлар. Сизлардан бир илтимосим бор: 16 бундай инсонларни ва улар билан бирга берилиб хизмат қилаётганларни ҳурмат қилиб, уларнинг айтганларини қилинглар. 17 Стефанас, Фортунатус ва Ахайкуснинг келганидан хурсанд бўлдим, улар сизларнинг йўқлигингизни билдирмади. 18 Улар сизларнинг руҳингизни кўтаргандек, менинг ҳам руҳимни кўтардилар. Бундай инсонларни қадрланглар.

Сўнгги саломлар

19 Асия вилоятидаги жамоатлар сизларга салом йўллаяптилар. Акил билан Прискилла* ва уларнинг уйида йиғиладиган жамоат ҳам сизларга — Раббимиз Исонинг йўлидаги ҳамкорларига оташин салом айтяпти. 20 Ҳамма биродарларимиз салом айтяптилар. Бир–бирингиз билан ўпишиб кўришинглар.

21 Мен, Павлус, мана шу мактубнинг якунини ўз қўлим билан ёзяпман*.
22 Кимки Раббимиз Исони яхши кўрмаса, у лаънати бўлсин! Эй Раббимиз, келгин!*
23 Раббимиз Исонинг инояти сизларга ёр бўлсин. 24 Сизларни яхши кўраман, чунки ҳаммамиз Исо Масиҳга тегишлимиз*.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Состенис* — Ҳаворийлар 18:17 да айтиб ўтилган киши бўлиши мумкин.

1:11 *опамиз* — уларнинг туғишган опаси эмас, имонли аёлларга шундай мурожаат қилинган.

1:12 *Аполлос* — Ҳаворийлар 18:24-19:1 га қаранг.

1:12 *Бутрус* — юнонча матнда *Кифас*, Бутруснинг орамийча исми (Юҳанно 1:42 га қаранг).

1:19 Муаллиф бу ўринда Ишаё 29:14 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

1:23 *хочга михланган Масиҳ* — Масиҳ унвонини яҳудийлар келажакда уларни душманларидан қутқарадиган ва бутун ер юзидаги халқлар устидан ҳукмронлик қиладиган инсонга нисбатан ишлатганлар (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МАСИҲ сўзига қаранг). Хочдаги ўлим энг шармандали ўлим эди (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХОЧ сўзига қаранг). Яҳудийлар ёғочга осилган одамни Худо лаънатлаган деб ҳисоблашарди (Қонунлар 21:23, Галатияликлар 3:13 га қаранг). Мана шу сабабларга кўра, кўп яҳудийлар (илгари Павлуснинг ўзи ҳам) “Исога ваъда қилинган Қутқарувчи” деган ҳақиқатни Худога шак келтириш деб билганлар. Ғайрияҳудийлар учун эса одамзоднинг Қутқарувчиси Ўз душманларининг қўлида жон бергани, айниқса, мана шундай шармандали ҳолатда ўлгани умуман ақлга сиғмайдиган ҳодиса эди.

1:23 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *юнонлар* (шу бобнинг 24–ояти изоҳига қаранг).

1:24 *ғайрияҳудийлар* — юнонча матнда *юнонлар*. Ўша даврда *юнонлар* сўзи нафақат миллати юнон бўлган, балки юнон тилида сўзлашувчи, юнон урф–одатларига риоя қилувчи одамларга нисбатан ҳам ишлатилган.

1:31 *...ким мақтанмоқчи бўлса, Эгамизни биламан, деб мақтансин* — Еремиё 9:23-24 га қаранг.

2:1 *Худонинг сирли режаси* — юнонча матндан (яна шу бобнинг 7-10–оятларига қаранг). Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худонинг шоҳидлиги* ёки *Худо тўғрисидаги шоҳидлик*.

2:9 Ишаё 64:4 га қаранг.

2:13 *...Муқаддас Руҳ ўргатаётган сўзлар билан руҳий ҳақиқатни талқин қиламиз* — ёки *...Муқаддас Руҳ ўргатаётган сўзлар билан гапириб, Муқаддас Руҳга тобе бўлганларга руҳий ҳақиқатни талқин қиламиз*.

2:16 Ишаё 40:13 га қаранг.

3:4 *Аполлос* — Ҳаворийлар 18:24-19:1 га қаранг.

3:19 Аюб 5:13 га қаранг.

3:20 Забур 93:11 га қаранг.

3:22 *Бутрус* — юнонча матнда *Кифас*, Бутруснинг орамийча исми (Юҳанно 1:42 га қаранг).

4:6 *Аполлос* — Ҳаворийлар 18:24-19:1 га қаранг.

4:16 *...мендан ўрнак олинглар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *мен*

Масиҳдан ўрнак олганимдек мендан ўрнак олинглар.

4:17 *севимли ўғлим Тимўтий* — Тимўтий Павлуснинг ўз ўғли эмас эди. У Павлуснинг содиқ ёрдамчиси бўлгани учун Павлус уни, ўғлим, дерди. Ҳаворийлар 16:1-3, Филиппиликлар 2:20-22 га қаранг.

5:5 *...унинг танаси ҳалокатга учрасин...* — ёки *...унинг гуноҳкорона хулқ–атвори йўқ қилинсин...*. Бу ўринда ишлатилган юнонча сўз одамнинг танасига ёки унинг худбин истакларига ишора қилиши мумкин.

5:7 *хамиртуруш* — мажозий маънода ишлатилган бўлиб, одатда бошқаларга салбий таъсир кўрсатадиган таълимотлар ва хулқ–атвор назарда тутилган. Яна Чиқиш 12:15, 13:3-10 га қаранг.

5:8 *Фисиҳ байрами* — Фисиҳ зиёфатига ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган Хамиртурушсиз нон байрамига ишора. Бу байрамлар Исроил халқининг Мисрдаги қулликдан озод бўлиши муносабати билан нишонланар эди (Чиқиш 12:1-42, 13:3-10 га қаранг). Павлус байрамни нишонлаш ҳақида мажозий маънода гапиряпти. Бу ўринда байрам масиҳийларнинг гуноҳ қуллигидан озод бўлганини ва улар Эгамизга манзур, пок ҳаёт кечиришлари кераклигини билдирувчи рамздир.

5:9 *олдинги мактубим* — Павлус олдин ҳам Коринфликларга мактуб ёзган эди, аммо бу мактуб сақланиб қолмаган. Чамаси, Коринфликлар Павлуснинг ўша мактубдаги жинсий ахлоқсиз бўлганлар билан қандай муносабатда бўлиш ҳақидаги гапларини нотўғри тушунганлар (шу бобнинг 10–оятига қаранг).

6:13 *"Овқат қорин учун, қорин эса овқат учун, Худо иккаласини ҳам йўқ қилади–ку"* — бу жумла Коринфликлар орасида мақол бўлиб, одамлар озиқ–овқатлар борасида эркин эканлигига урғу берган. Улар, озиқ–овқатга оид қоидаларга риоя қилмаса ҳам бўлади, деб ҳисоблардилар. Павлус бунга қўшиларди. Лекин баъзи Коринфликлар бу каби эркинликни жинсий ҳаётига татбиқ этиб, зино қилиш мумкин, деб ўйлашарди. Павлус эса уларнинг бу қарашига мутлақо қарши эди.

6:16 Ибтидо 2:24 га қаранг.

6:20 *...ўз танангиз билан Худони улуғланглар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худога тегишли бўлган танангиз ва руҳингиз билан Худони улуғланглар*.

7:5 *...ибодатга бағишлаш...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ибодатга ва рўза тутишга бағишлаш*.

7:10 *У...Раббимиз Исодандир: хотин эри билан ажрашмасин* — бу Исонинг ажралиш ҳақидаги таълимотининг хулосасидир (Матто 5:32, 19:3-9, Марк 10:2-12 га қаранг).

7:14 *...имонсиз эр имонли хотини туфайли покланади* — Коринфдаги баъзи имонлиларнинг тушунчаси бўйича, имонга келган одам имонсиз турмуш ўртоғи билан ажрашиши керак эмиш, чунки имонсиз турмуш ўртоқ туфайли бутун оила Худонинг назарида нопок ҳисобланармиш. Павлус бундай тушунчани нотўғри, деб айтади ва масиҳийларни ўзларининг имонсиз эри ёки хотини билан ажрашмасликка ундайди. Шу бобдаги 12-14–оятларнинг моҳияти шундаки, Исо Масиҳга имон келтирган инсон ўзининг имонсиз турмуш ўртоғи билан ажрашмаслиги керак, чунки Худо бундай никоҳни нопок ёки ҳаром деб ҳисобламайди.

7:18 *суннатли* — яъни яҳудийлар. Суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди

билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

7:18 *суннатсиз* — яъни ғайрияҳудийлар.

7:33-34 *...қайғуради. 34...Ҳозир эрсиз бўлган аёллар ва эрга тегмаган қизларнинг ҳам ташвиши...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *...қайғуради. Эрли хотинлар билан эрга тегмаган қизлар орасида ҳам фарқ бор. 34 Эрсиз бўлган аёлларнинг ташвиши...*.

7:36 *Бу гуноҳ эмас* — чамаси, Коринф имонлиларининг баъзилари никоҳга, умуман эркак ва аёл орасидаги жинсий алоқаларга салбий қарар эдилар (шу бобнинг 1–оятига қаранг). Павлуснинг фикри бўйича, эркак киши уйланишни хоҳласа, уйланиши керак. Бошқаларнинг тазйиқи остида уйланишдан воз кечмаслиги лозим. Ёки шу ҳолатнинг акси ҳам бўлиши мумкин. Агар эркак киши бир умр бўйдоқ ўтишни хоҳласа, ўз хоҳишига қараб иш тутсин. Баъзи олимларнинг фикри бўйича, шу бобнинг 36-37–оятларида ўз қайлиғига бўлган эҳтиросини тия олмайдиган эркакка ишора қилинган. Бундай эркак тезроқ уйланиши керак. Аммо эҳтиросини тия оладиган эркак бир умр бўйдоқ ўтса ҳам бўлади.

8:1 *Бутга келтирилган қурбонлик гўшти* — ўша пайтларда бозорларда асосан бутларга қурбонлик қилинган ҳайвонларнинг гўшти сотиларди. Шунингдек, бутларга қурбонлик келтирган одамлар дўстларини меҳмонга чақириб, қурбонлик гўштидан тайёрланган таомни бирга баҳам кўрардилар (шу бобнинг 10–оятига қаранг). Баъзи масиҳийлар бундай гўштдан ейишни гуноҳ, бутпарастлик деб билардилар. Бошқа бир масиҳийлар эса бундай гўштдан ейишни гуноҳ, деб ҳисобламасдилар. Яна 10:23-32 га қаранг.

9:5 *Раббимиз Исонинг укалари* — Марк 6:3 га қаранг.

9:5 *Бутрус* — юнонча матнда *Кифас*, Бутруснинг орамийча исми (Юҳанно 1:42 га қаранг).

9:9 Қонунлар 25:4 га қаранг.

9:13 *руҳоний* — Қуддусдаги Маъбадда хизмат қиладиган эътиборли дин раҳнамоси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

9:14 *Раббимиз Исонинг Ўзи буюргани бўйича...* — Матто 10:10, Луқо 10:7 га қаранг.

10:1 *Уларнинг ҳаммаси булут остида чўлни кезиб, Қизил денгиздан ўтдилар* — Чиқиш 13:21-22, 14:19-29 га қаранг.

10:3 *Мўъжиза орқали уларнинг ҳаммасига бир хил овқат берилди* — Чиқиш 16:4-31, 35 га қаранг.

10:4 *Мўъжиза орқали...улар қоядан сув олиб ичдилар* — Чиқиш 17:1-7, Саҳрода 20:2-11 га қаранг.

10:7 Чиқиш 32:6 га қаранг.

10:8 *Улар...нобуд бўлди* — Саҳрода 25:1-9 га қаранг.

10:9 *...улардан баъзилари шундай қилиб, илонларнинг заҳридан ҳалок бўлдилар* — Саҳрода 21:4-6 га қаранг.

10:10 *Улардан баъзилари...нобуд қилди* — Саҳрода 16:41-49 га қаранг.

10:16 *Биз дастурхон атрофида жам бўлиб ўтирганимизда...* — Исонинг ўлимини

хотирлаш мақсадида бирга йиғилиб, таом тановул қилишга ишора қилинган (11:23-26, Марк 14:22-25 га қаранг).

10:26 Забур 23:1 га қаранг.

10:28-29 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида шу жумладан кейин қуйидаги сўзлар қўшимча қилинган: *Зеро "Эгамизникидир замин, ундаги бутун борлиқ."*

11:10 *...эркаклар қатори улар ҳам фаришталарни ҳукм қиладилар–ку!* — 6:3 га қаранг.

11:17 *Йиғилишларингиз* — Исонинг ўлимини хотирлаш мақсадида бирга йиғилиб, таом тановул қилишга ишора қилинган (Марк 14:22-25 га қаранг).

11:23-24 *Раббимиз Исо...[24]...шундай деди...* — Луқо 22:19-20 оятларга ва Луқо 22:20 изоҳига қаранг.

11:29 *Раббимизнинг танасини писанд қилмасдан...* — юнонча матнда *Танани писанд қилмасдан...*. Бу ўринда Павлус тана деганда нафақат Исонинг жисмоний азобларига, балки "Масиҳнинг танаси" деб аталганларга, яъни Исо Масиҳга ишонган одамларга ҳам ишора қилади (12:12-27 га қаранг). Коринф жамоатидаги масиҳийлар Раббимизнинг ўлимини хотирлаш мақсадида йиғилганларида уларнинг баъзилари номаъқул равишда таом истеъмол қилиб, жамоатдаги аҳилликка рахна солаётган эди (шу бобнинг 17-22–оятларига қаранг).

12:13 *юнонлар* — яъни ғайрияҳудийлар. 1:24 изоҳига қаранг.

13:3 *...менга шараф келтирсин деб, ҳатто қийноқларга рози бўлсам–да...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *баданимни ёндиришга топширсам–у*.

14:21 *Муқаддас битикларда...* — юнонча матнда *Қонунда...* (шу бобнинг 34–оятида ҳам бор). Баъзан Эски Аҳд китоблари тўпламига нисбатан қонун сўзи ишлатилган.

14:21 Ишаё 28:11-12 га қаранг.

15:3 *Муқаддас битикларга мувофиқ* — Луқо 24:25-27, 32, 44-48 га қаранг. Одатда Эски Аҳд китоблари тўпламига нисбатан Муқаддас битиклар ибораси ишлатилган.

15:5 *Бутрус* — юнонча матнда *Кифас*, Бутруснинг орамийча исми (Юҳанно 1:42 га қаранг).

15:7 *Ёқуб* — Исонинг шогирди Ёқуб эмас, балки Қуддусдаги жамоатнинг етакчиси ва Исонинг укаси Ёқуб назарда тутилган (Марк 6:3, Ҳаворийлар 15:13, 21:18, Галатияликлар 1:18-19 га қаранг).

15:8 *Мен ривожланмай қолган бир ҳомиладай бўлсам–да, ниҳоят менга ҳам кўринди* — Исо Масиҳ ер юзида фаолият олиб борганда, унинг ўн иккита танлаб олган шогирди бор эди. Улар ҳаворий деб ном олган. Аммо Павлус ўша дастлабки ҳаворийлардан бири эмас эди. У фавқулодда ҳаворийлар қаторига қўшилган. У жамоатни қувғин қилиб юрган пайтларда, кутилмаганда ва ғаройиб тарзда имонга келган. Ҳаворийлар 9:1-19 га қаранг.

15:27 *...Худо...Унинг оёқлари остига ташлаган* — Забур 8:7 га қаранг.

15:29 *Баъзиларингиз ўлганлар учун сувга чўмдирилаётган экансиз* — бу удум ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган, Янги Аҳдда ҳам ҳеч нарса ёзилмаган. Коринфдаги баъзи имонлилар сувга чўмдирилишдан олдин оламдан ўтган бўлишлари мумкин (11:30 га қаранг). Балки жамоатдагилар, ўша марҳум

имонлиларнинг ўликдан тирилишига кафолат берайлик деб, ўлганларнинг ўрнига сувга чўмдирилгандир. Сабаб нима бўлишидан қатъий назар, Павлус бу удумни маъқулламаса ҳам, бу ҳақда гапириб ўтган, чунки унинг мақсади масиҳийларнинг ўликдан тирилишига урғу бериш эди.

15:32 *...нима учун Эфес шаҳрида ҳаётимни хавф остига қўйдим?!* — бу гап Ҳаворийлар 19:23-40 да тасвирланган воқеаларга ёки Павлус мактубни ёзган вақтга яқинроқ бўлган пайтда, Эфесда бўлган воқеаларга ишора қилиши мумкин (16:8-9 га қаранг).

15:32 Ишаё 22:13 га қаранг.

15:45 Ибтидо 2:7 га қаранг.

15:54-55 Ишаё 25:8, Хўшея 13:14 га қаранг.

16:1 *Худойимизнинг Қуддусдаги азизларига моддий маблағ тўплаш* — Қуддусдаги муҳтожликда қолган масиҳийларга ёрдам бериш ниятида Павлус пул йиғаётган эди (Римликлар 15:25-28, 2 Коринфликлар 8:1-9:5, Галатияликлар 2:10 га қаранг). Уларнинг муҳтожликларига қувғинлар ёки қурғоқчилик сабаб бўлган бўлиши мумкин (Ҳаворийлар 8:1, 11:28 га қаранг).

16:8 *Ҳосил байрами* — Фисиҳ зиёфатидан кейин, 50 кун ўтгач нишонланади (Левилар 23:15-16 га қаранг). Иброний календари бўйича бу кун учинчи ой — Шавон ойининг олтинчи кунига тўғри келади. Ҳозирги календарга кўра, бу ой майнинг ўртасидан бошланади.

16:10 *Тимўтий* — 4:17 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

16:12 *Аполлос* — Ҳаворийлар 18:24-19:1 га қаранг.

16:15 *Ахая вилояти* — Рим империясига қарашли вилоят бўлиб, пойтахти Коринф шаҳри эди.

16:19 *Акил билан Прискилла* — Ҳаворийлар 18:2-3, 18-21, 24-26 га қаранг.

16:21 *...шу мактубнинг якунини ўз қўлим билан ёзяпман* — Павлус бу мактубини котибга айтиб ёздирган. Мактубнинг аслияти Павлусга тегишли эканини кўрсатиш учун, Павлус мактубнинг охирги қисмини ўз қўли билан ёзган. Қадимги пайтларда бу одатий ҳол эди. 1 Бутрус 5:12, Римликлар 16:22, Галатияликлар 6:11, Колосаликлар 4:18, 2 Салоникаликлар 3:17, Филимўн 19–оятга қаранг.

16:22 *Эй Раббимиз, келгин!* — юнонча матнда *Марана фа!*, орамий тилидан олинган ибора.

16:24 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
КОРИНФЛИКЛАРГА
ИККИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактубни ҳаворий Павлус Коринфдаги жамоат билан кескин муносабатда бўлган бир пайтда, яъни Коринфдаги баъзи бир масиҳийлар Павлусга ҳар тарафдан ҳужум қилаётган вақтда ёзган. Павлуснинг Коринфга бориш режалари ўзгаргани боис, баъзи Коринфликлар уни ишончсиз, ўз сўзида турмайдиган инсон, деб айтишарди. Яна баъзи бирлари Павлуснинг ҳаворийлигига шубҳа қилишарди. Бундай иғволар ўзларини ҳаворий деб атаган сохта устозлардан келиб чиққан эди. Павлус бу мактубни Коринф жамоатининг ишончини ва ҳурматини қозониш ниятида ёзган.

Мактубнинг дастлабки қисмида (1-7–боблар) Павлус ўзининг Коринфликлар билан бўлган муносабати ҳақида ёзиб, нима сабабдан уларнинг жамоатидаги баъзи бир одамларга қаттиқ гапирганини тушунтиради. Мана шу қаттиқ муомала натижасида муносабатлар қайта тикланганидан қанчалик хурсанд эканини мактуб давомида ифода этади. Шундан кейин (8-9–боблар) у Коринфдаги жамоатни Қуддусдаги муҳтож бўлган биродарларга сахийлик билан эҳсон беришга ундайди. Мактубнинг охирги қисмида (10-13–боблар) Павлус ўзининг ҳақиқий ҳаворий эканини, сохта ҳаворийларнинг айтган гаплари ёлғон эканини далиллар орқали исботлашга ҳаракат қилади.

Павлус Худога хизмат қилиб, кўплаб қийинчилигу азоб–уқубатларга қарамай, одамларга Худонинг Хушхабарини етказишга ҳаракат қилади. Мазкур мактубда у жамоатнинг тавба қилган аксарият аъзоларига ўз миннатдорчилигини изҳор қилади, итоатсизларни эса тартибга чақириб, ўзининг етакчи сифатидаги ҳокимиятини тан олишларига даъват қилади. Павлус бир неча бор ўз шахсияти, намунали ҳаёти, Худо томондан танланганлигини ва Масиҳга хизмат қиладиган ҳаворий эканлигини таъкидлайди.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Худонинг иродаси билан Исо Масиҳнинг ҳаворийси бўлган мен — Павлусдан
ва биродаримиз Тимўтийдан* Худонинг Коринф шаҳридаги жамоатига ҳамда
Ахая вилоятидаги* барча Худонинг азизларига салом! 2 Отамиз Худо ва Раббимиз
Исо Масиҳ сизларга иноятy тинчлик ато қилсин.

Тасалли манбаи — Худо

3 Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худога, ҳар турли тасаллининг манбаи
бўлган Худо — марҳаматли Отага ҳамду санолар бўлсин! 4 Ҳар хил
азоб–уқубатларга учраганимизда, Худо бизга тасалли беради. Шундай экан, биз
ҳам азоб чекаётган инсонга тасалли бера оламиз. Худо бизга берган тасалли
билан уни овунтира оламиз. 5 Масиҳга ўхшаб биз қанчалик кўп азоб чексак, Худо
бизга Масиҳ орқали шунчалик кўп тасалли беради. 6 Биз азоб–уқубатларга дучор
бўлаётган эканмиз, сизлар тасалли ва нажот топишингиз учундир. Биз тасалли
топаётган бўлсак, бу ҳам сизлар тасалли топишингиз учундир, токи сизлар ҳам

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

бизга ўхшаб азоб–уқубатларга учраганингизда бардош бера олинг. 7 Сизлар
нафақат азоб–уқубатларимизга, балки тасаллимизга ҳам шерик бўлишингизга
ҳеч шубҳамиз йўқ.
8 Эй биродарлар, биз шуни истар эдикки, сизлар Асия вилоятидаги биз чеккан
азоблардан бехабар қолманглар. Биз ҳаддан ташқари, чидаб бўлмас даражада
азоб–уқубат тортдик, ҳатто тирик қолишдан ҳам умидимизни узган эдик. 9 Ўлим
муқаррар эканлигига амин бўлган эдик. Буларнинг ҳаммаси бизнинг ўзимизга
эмас, балки ўликларни тирилтирадиган Худога умид боғлашимиз учун содир
бўлди. 10 Ҳақиқатан ҳам Худо бизни шундай оғир ўлим таҳликасидан қутқарди ва
яна қутқаради ҳам. Ҳа, Худо бизни яна қутқаради, деб Ундан қаттиқ умид
қиламиз. 11 Сизлар ҳам ибодатларингиз орқали бизнинг фаолиятимизга шерик
бўляпсизлар. Буни кўриб, кўпчилик биз учун Худога шукр айтади, чунки уларнинг
биз учун қилган илтижолари натижасида Худо бизга илтифот кўрсатди.

Павлуснинг сафар режалари ўзгаради

12 Виждонимиз гувоҳлик бериб турибди, биз бу дунёда, айниқса сизлар билан
бўлган муносабатимизда Худо ато қилган соддалик ва самимийлик билан иш
тутдик. Биз дунёвий доноликка эмас, балки Худонинг иноятига таяниб ҳаракат
қилдик. Фахрланишимизнинг сабаби ана ўшадир.
13-14 Сизлар ўқиб, тушуна оладиганлардан бошқа ҳеч нарса ёзмаймиз. Сизлар
ҳозир бизни қисман бўлса–да, тушунасизлар. Умид қиламанки, бир кун келиб,
сизлар қуйидагини тўла англаб оласиз: биз сизлардан қандай фахрлансак, сизлар
ҳам Раббимиз Исо келадиган кунда биздан шундай фахрлана оласизлар.
15 Юқорида айтиб ўтганларимнинг тўғрилигига ишонганим учун мени икки
марта кўриб, хурсанд бўлиб қолинглар деган ниятда сизларнинг олдингизга
бормоқчи эдим. 16 Македонияга бораётганимда сизларнинг олдингизга кириб
ўтиш, қайтишда ҳам сизларни кўриб кетиш ниятим бор эди*. Шундай қилиб,
Яҳудияга* кетишимда йўлда учраши мумкин бўлган эҳтиёжларимни қондириб,
кузатиб қўярдингизлар.
17 Шундай режаларим бор эди. Ўша режалар амалга ошмаса, енгилтаклик
билан иш тутган бўламанми?! Ёки мен режа қилаётган пайтда гоҳ “ҳа”, гоҳ “йўқ”
дейдиган, бетайин одамга ўхшайманми?! 18 Худо ишончлидир, шунинг учун
сизларга етказган хабаримиз ҳам ҳеч ўзгармайди. 19 Силас*, Тимўтий ва мен
сизларга Худонинг Ўғли — Исо Масиҳ ҳақида айтганмиз. Исо Масиҳ ўзгарувчан
эмас. У доимо садоқатлидир. 20 Исо Масиҳ орқали Худо Ўз ваъдаларини бажаради,
шунинг учун биз ҳам Исо Масиҳ орқали Худони улуғлаб, “Омин, илойим шундай
бўлсин”, деймиз. 21 Худонинг Ўзи бизни ҳам, сизларни ҳам Исо Масиҳга бўлган
имонимизда мустаҳкам қилади. У бизни Ўзи учун танлаб олди. 22 Бизга Ўз
муҳрини босиб, келажакдаги қут–баракаларнинг кафили сифатида Муқаддас
Руҳни берди. 23 Худо шоҳид, ўз жоним ҳақи айтяпман, сизларни аяганим учун
ҳануз Коринфга бормадим. 24 Биз сизларнинг имонингиз устидан ҳукмдормиз,
демоқчи эмасман, чунки сизлар имонда маҳкам турибсизлар. Хизмат
қилишимиздан мақсад қувончингизни кўпайтиришдир.

2–БОБ

1 Яна хафагарчилик келтирмаслик учун сизларнинг олдингизга бормасликка
қарор қилдим*. 2 Ахир, сизларни хафа қилсам, менга хурсандчилик
келтирадиганларни хафа қилган бўламан–ку! Ундай ҳолда, ким мени хурсанд
қилади?! 3 Олдинги мактубни* ёзганимнинг сабаби ҳам шудир, токи сизларнинг

олдингизга борганимда орамизда хафагарчилик бўлмасин, ахир, менга катта қувонч келтирадиган сизлар эмасми?! Ишончим комилки, менинг қувончим сизларнинг қувончингиздир. 4 Сизларни хафа қилиш учун эмас, балки сизларни қанчалик яхши кўришимни кўрсатиш учун ўша мактубни ёзган эдим. Уни чуқур қайғу, изтироб билан, кўз ёш тўкиб ёзган эдим.

Гуноҳ қилган одамни кечириш ҳақида

5 Мени хафа қилган одам* фақатгина мени эмас, балки қайсидир даражада сизларнинг ҳаммангизни хафа қилган бўлади, аммо бу масалага керагидан ортиқ урғу бермайлик. 6 Ахир, хафа қилган одамга кўпчилик томонидан берилган жазо етарли. 7 Энди бўлса, уни кечириб, тасалли беринглар, токи у ҳаддан ортиқ қайғуриб, тушкунликка тушмасин. 8 Сизлардан ўтинаман, унга бўлган меҳр–муҳаббатингизни кўрсатинг.

9 Олдинги мактубимни ёзишдан яна бир мақсадим шу эди: сизлар ҳар жиҳатдан итоаткор эканмисиз ёки йўқми, шуни билмоқчи эдим. 10 Сизлар бирор кишини кечирсангиз, мен ҳам уни кечираман. Бирортаси кечиришим керак бўладиган айб иш қилган бўлса, сизларнинг манфаатингизни кўзлаб, Масиҳнинг ҳузурида уни кечираман. 11 Шайтонга алданиб қолмайлик, ахир, унинг фитналаридан бехабар эмасмиз–ку!

Павлус Троас шаҳрида безовта бўлади

12 Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни эълон қилиш учун Троас шаҳрига борганимда, Эгамиз менга йўл очиб берган эди. 13 Аммо кўнглим нотинч эди, чунки биродарим Титусни* у ерда топа олмадим. Шунинг учун у ердагилар билан хайрлашиб, Македонияга жўнадим.

Масиҳ орқали қозониладиган ғалаба

14 Худога шукур! Худо бизга Масиҳнинг тантанали юришида* иштирок этишни насиб қилди. Атирнинг ҳиди қандай таралса, худди шу сингари, ҳар ерда ва ҳар доим Худо биз орқали Ўзи ҳақидаги хабарни тарқатмоқда. 15 Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни ёяр эканмиз, биз нажот топадиганлар орасида ҳам, ҳалок бўладиганлар орасида ҳам Худога хуш келадиган тутатқи назрининг ҳидига ўхшаймиз. 16 Бу ҳид ҳалок бўладиганлар учун ўлим ҳидидир, нажот топадиганлар учун эса ҳаётбахш хушбўй ҳиддир. Бундай юксак масъулиятга Худо бизни лойиқ топди. 17 Мана, биз кўпчилик каби, Худонинг каломини бозорга солмаймиз. Аксинча, Худо томонидан юборилган ва Масиҳ хизматида бўлган кишилардек, Худонинг кўзи олдида соф кўнгил билан воизлик қилмоқдамиз.

3–БОБ

Янги аҳднинг улуғлиги

1 Яна ўзимизни тавсия қиляпмизми?! Ёки баъзиларга керак бўлгандай, сизларга тавсияномалар кўрсатишимиз керакми ёки сизлардан бизга тавсияномалар керакми?! 2 Ахир, юрагимизга* ёзилган тавсияномамиз сизларнинг ўзингиз–ку! Бу ҳаммага аён, уни ҳамма ўқий олади. 3 Очиқ кўриниб турибдики, бизнинг хизматимиз туфайли ёзилган Масиҳнинг мактуби сизларсиз. Бу мактуб сиёҳ билан эмас, балки барҳаёт Худонинг Руҳи орқали ёзилган, тош лавҳаларга эмас, балки инсон қалбининг лавҳаларига ёзилгандир*. 4 Масиҳ туфайли Худонинг олдида буларга ишончимиз комилдир. 5 Ахир, биз ўзимизнинг кучимиз билан бирор нарса қила олмаймиз–ку! Ҳамма қобилиятимиз бизга Худо томонидан берилган. 6 Худо бизга янги аҳднинг* хизматкорлари бўлиш

қобилиятини берди. Бу аҳд қонунга эмас, балки Руҳга асосланиб тузилган, чунки қонун ўлимга етаклайди, Руҳ эса ҳаёт бағишлайди*.

7 Тош лавҳаларга ёзилган, ўлимга етаклайдиган эски аҳднинг қонун–амрлари
шунчалик улуғворликка эга эдики, Исроил халқи Мусонинг ўша улуғворликдан
порлаётган юзига* тик қарай олмаган эди. Ўткинчи улуғворлик шунчалик порлоқ
экан, 8 Руҳ орқали тузилган аҳд келтирадиган улуғворлик қандай порлоқ бўлиши
ҳақида бир ўйлаб кўринг–чи! 9 Ўлим ҳукмини келтирадиган эски аҳд улуғвор
экан, инсонларни оқлайдиган аҳд ундан ҳам улуғвор бўлмайдими?! 10 Энди бу
ажойиб улуғворлик олдида ўша олдинги улуғворлик арзимас бўлиб қолди.
11 Ўткинчи эски аҳд улуғвор бўлган экан, боқий бўлган бу янги аҳд нақадар
улуғвордир!

12 Шундай умидимиз борлиги учун ҳам жасорат билан Хушхабарни айтамиз.
13 Биз Мусога ўхшамаймиз. Юзида порлаб турган ўткинчи улуғворликни Исроил
халқи кўрмаслиги учун Мусо юзини ёпган эди*. 14 Исроил халқининг ақли ўтмас
бўлиб қолганди. Бугунга қадар эски аҳд ўқилганда, худди бир парда уларнинг
онгини тўсиб турганга ўхшайди. Бу пардани фақатгина Масиҳ олиб ташлайди.
15 Ҳа, ҳозир ҳам Мусонинг қонуни ўқилганда, уларнинг онги тўсиқдир. 16 Аммо
Эгамизга юз бурган инсоннинг онгидан тўсиқ парда олиб ташланади. 17 Бу ерда
Эгамиз деганда, Муқаддас Руҳни назарда тутяпман. Эгамизнинг Руҳи қаерда
бўлса, ўша ерда эркинлик бор. 18 Биз ҳаммамиз очиқ юз билан Эгамизнинг
улуғворлигини* кўриб турибмиз*. Биз ўзгариб борар эканмиз, янада улуғвор
бўлиб, Эгамизга ўхшаган бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Эгамизнинг Руҳи орқали
содир бўлмоқда.

4–БОБ

Сопол идишлардаги улуғ хазинамиз

1 Биз Худонинг марҳамати билан янги аҳднинг хизматкорлари бўлганимиз
учун тушкунликка тушмаймиз. 2 Аксинча, сирли ва уятли ишлар қилишдан,
макр–ҳийла ишлатишдан бош тортиб, Худонинг каломини бузмай гапирамиз.
Ҳақиқатни очиқ–ойдин айтиб, Худонинг ҳузурида ўзимизни бошқа одамларнинг
ҳукмига топширамиз. 3 Хушхабаримиз сирли, тўсиқ парда ортида тургандай
бўлиб туюлса, у ҳалок бўладиганлар учун шундай туюлади.

4 Бу дунёнинг худоси* имонсизларнинг онгини кўр қилиб қўйган. Шунинг учун
улар Хушхабарнинг нурини кўра олмайдилар. Бу Хушхабар Худонинг аниқ
тасвири бўлган Масиҳнинг улуғворлигини кўрсатади. 5 Биз ўзимиз ҳақимизда
эмас, Раббимиз Исо Масиҳ ҳақида ваъз қиламиз. Исонинг йўлида сизларнинг
хизматкорларингизмиз. 6 Худо дунёни яратганда Ўз сўзи билан зулматдан нур
яратган эди*. Энди У Ўзининг нури билан бизнинг юракларимизни ҳам ёритди,
Исо Масиҳ сиймосида порлаб турган Ўз улуғворлигини бизга кўрсатди.

7 Шундай ажойиб хазинани сопол идишлардай бўлган таналаримизда олиб
юрибмиз. Шу орқали олий қудрат бизга эмас, Худога мансуб эканлиги кўриниб
турибди. 8 Биз ҳар томонлама жабрланиб эзиламиз, аммо синмаймиз. Кўнглимиз
алағда бўлиб, мушкул аҳволга тушсак ҳам умидимизни йўқотмаймиз.
9 Қувғинларга учраймиз, лекин Худо ҳеч қачон бизни ташлаб кетмайди. Бизни
ерга йиқитадилар, аммо яксон қила олмайдилар.

10 Исо Масиҳ ўлимга рўбарў бўлганидек, биз ҳам азоб–уқубат тортиб, ўлим
таҳликасида яшаяпмиз, токи Исонинг ҳаёти бизнинг танамизда намоён бўлсин.
11 Исо Масиҳга тегишли бўлганимиз учун биз доим ўлимга дучор бўляпмиз, токи

Исонинг ҳаёти бизнинг фоний баданимизда намоён бўлсин. 12 Шундай қилиб,
ўлим хавфи остида яшашимиз сизларга абадий ҳаёт келтиради*.
13 Муқаддас битикларда: “Ишонганим учун гапирдим”*, деб ёзилган. Бизда ҳам
шундай имон бор, шунинг учун Хушхабар айтишни давом эттираверамиз.
14 Биламизки, Раббимиз Исони тирилтирган Худо бизни ҳам Исога ўхшатиб
тирилтиради ва сизлар билан бирга Ўзининг ҳузурига олиб киради.
15 Бошимиздан ўтганларнинг ҳаммаси сизларнинг манфаатингиз учун юз берган.
Худонинг иноятини кўпдан–кўп одамлар орасида ёйилар экан, Худога янада кўп
одамлар шукур айтади ва бундан Унга янада кўпроқ шон–шуҳрат келади.
16 Шунинг учун ҳам умидимизни йўқотмаймиз. Тўғри, бу фоний баданимиз
хазон бўляпти, аммо биз руҳан янгиланиб боряпмиз. 17 Бизнинг ўткинчи, енгил
азоб–уқубатларимиз бизга ҳаддан ташқари ажойиб ва абадий улуғворлик
келтиради. 18 Ахир, биз кўринадиган нарсаларга эмас, балки кўринмайдиган
нарсаларга кўз тикканмиз. Кўринадиган нарсалар ўтиб кетади,
кўринмайдиганлари эса мангудир!

5–БОБ

Самовий масканимиз

1 Биламизки, биз макон қилган бу танамиз ер юзидаги бир кулбадайдир. Бу
кулба хароб бўлганда, Худо самода бизга қўл билан қурилмаган мангу бир уй
беради. 2 Биз самовий масканимизга етишишни кутиб, бу ердаги кулбада, яъни
танамизда оҳ чекиб юрибмиз. 3 Худо бизга самовий тана беради, руҳимиз
маскансиз қолмайди. 4 Бу танамизда эканмиз, худди оғир юк остида қолгандек
оҳ–нола чекамиз. Ўлишни хоҳламаганимиз учун оҳу нола қиламиз. Самовий тана
дарҳол бу моддий тананинг ўрнини олишини истаймиз. Ахир, ўшанда мангу тана
фоний тананинг ўрнини эгаллайди. 5 Худо бизни мана шу мақсад учун яратган ва
бунга кафил сифатида бизга Муқаддас Руҳни ато қилган.
6 Биз бу танада бўлганимизда самовий масканимиздан ва Эгамиздан узоқда
эканлигимизни билсак ҳам ишончимиз барқарор. 7 Ахир, биз кўзга кўринадиган
нарсаларга эмас, балки имонимизга таяниб ҳаёт кечирамиз. 8 Ҳа, ишончимиз
барқарор, шунинг учун бу таналаримизни ташлаб, Эгамиз билан бирга самода
маскан қилишни афзал кўрамиз. 9 Хоҳ мана шу фоний танада бўлайлик, хоҳ
абадий масканда бўлайлик, бизнинг мақсадимиз Эгамизни мамнун қилишдир.
10 Чунки ҳар биримиз Масиҳнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлишимиз керак.
Шунда ҳар биримиз қилган яхши ёки ёмон ишларимизга яраша мукофот ёки жазо
оламиз.

Худо билан ярашиш

11 Биз Худодан қўрқиш нималигини билганимиз учун бошқаларни ҳам
Хушхабарга ишонишга даъват қиламиз. Биз қандай одам эканлигимиз Худога
аёндир, умид қиламанки, сизлар ҳам бизнинг қандайлигимизни очиқ–ойдин
биласизлар. 12 Биз ўзимизга ўзимиз тавсия бермаяпмиз. Аксинча, биз билан
фахрланиш имконини сизларга беряпмиз. Шунда қалбидаги ўй–хаёлу фазилатлар
билан эмас, балки ташқи қиёфаси билан мақтанадиган инсонларга сизлар ўринли
жавоб бера оласизлар.
13 Агар биз бошқаларга ақлдан озгандай кўринсак, бу Худога шуҳрат келтириш
учундир. Ақлимиз жойида бўлса, бу сизларнинг манфаатингиз учундир. 14 Ахир,
Масиҳнинг бизга бўлган муҳаббати бизни рағбатлантиради. Бир Одам ҳамма учун
ўлган бўлса, демак, биз ҳаммамиз ўлганмиз деган хулосага келдик. 15 Ҳа, Масиҳ

ҳамма учун ўлди, токи яшаётганлар энди ўзлари учун эмас, балки улар учун ўлган ва тирилган Масиҳ учун яшасинлар.

16 Шу сабабдан энди биз ҳеч кимга инсоний нуқтаи назардан баҳо бермаймиз. Бир вақтлар* Масиҳга ҳам инсоний нуқтаи назардан баҳо берган эдик, энди эса ундай қилмаймиз. 17 Бинобарин, ким Масиҳга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Эски ҳаёт ўтиб кетди, янгиси эса бошланди.

18 Буларнинг ҳаммаси Худодандир. У Масиҳ орқали бизни Ўзи билан яраштирди* ҳамда бошқаларга Худо билан ярашиш йўлини кўрсатиш хизматини бизга берди. 19 Ҳа, Худо инсонларни гуноҳлари учун жазоламади, аксинча, Масиҳ орқали дунёни Ўзи билан яраштирди. Ярашиш ҳақидаги бу хабарни етказишни эса бизга топширди. 20 Шундай қилиб, биз Масиҳнинг элчиларимиз, Худо биз орқали инсонларга мурожаат этяпти. Масиҳ номидан ёлворяпмиз: сизлар ҳам Худо билан ярашинглар. 21 Ахир, Худо бизни Масиҳ орқали оқлаш учун бегуноҳ Масиҳни гуноҳкорни жазолагандай, жазолади*.

6–БОБ

1 Худонинг ҳамкорлари сифатида сизларга ёлворамиз: Худонинг иноятиҳаётингизда самарасиз бўлмасин. 2 Худо шундай деб айтяпти:

> “Мурувват пайти келганда,
> Мен сенга қулоқ соламан.
> Нажот куни келганда,
> Мен сенга ёрдам бераман.”*

Ўша мурувват пайти ҳозирги пайтдир, ўша нажот куни бугунги кундир.

Худонинг ҳақиқий хизматкорлари

3 Хизматимизда бирорта айб топилмасин деб, биз ҳеч кимни заррача ранжитмаймиз. 4 Худонинг ҳақиқий хизматкорлари эканлигимизни ўз ҳаракатларимиз билан исботлаяпмиз. Ҳар хил қийинчиликлару кулфатлар бошимизга тушганда, танг аҳволда қолганимизда сабр–тоқат кўрсатяпмиз. 5 Бизни урганларида, қамоққа ташлаганларида, ғалаёнларда қолганимизда, машаққат билан меҳнат қилганимизда, уйқусизликда ва оч қолганимизда, ҳаммасига бардош бердик. 6 Поклик, донолик, сабр–тоқат билан яшаб, меҳрибон бўлиб, Муқаддас Руҳ бизда маскан қилганини кўрсатиб, самимий муҳаббатимиз билан Худонинг хизматкорлари эканимизни исботладик. 7 Биз ҳақиқатни эълон қиляпмиз, Худонинг қудратига таяниб хизмат қиляпмиз. Ҳам ўнг қўлимизда, ҳам чап қўлимизда солиҳлик қуролларини* тутиб юрибмиз. 8 Шарафга эришамизми ёки иснодга қоламизми, бошқалар бизни ҳақорат қиладими ёки мақтайдими, ҳар қандай вазиятда Худонинг хизматкорлари эканлигимизни кўрсатяпмиз. Бизни ёлғончи, деб айтишади, аммо биз ҳақиқатгўймиз. 9 Машҳур эмасмиз, аммо бизни билишади. Бизни ўлган деб ҳисоблайдилар, аммо мана, тирикмиз. Бизни жазога тортадилар, аммо ўлимга маҳкум қилмайдилар. 10 Бизни хафа қиляптилар, аммо доимо хурсандмиз. Ўзимиз камбағалмиз–у, кўп кишиларни бойитамиз. Ҳеч нарсамиз йўғ–у, аммо ҳамма нарсага эгамиз.

11 Эй Коринфликлар! Сизларга бемалол, очиқ–ойдин гапирдик. Сизларга бағримизни кенг очдик. 12 Биз сизлардан меҳр–муҳаббатимизни аямадик, сизлар эса ўз меҳрингизни биздан қизғанасиз. 13 Сизларга ўз фарзандларимга гапираётгандай гапиряпман. Биз сизларга қандай муомала қилсак, сизлар ҳам бизга шундай муомала қилинг: бизга бағрингизни кенг очинг.

Барҳаёт Худонинг маъбади

14 Имонсизлар билан шерик бўлманглар*. Солиҳлик билан қабиҳликнинг
орасида қандай алоқа бор?! Нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бўлиши
мумкин?! 15 Масиҳ билан шайтон* орасида қандай иттифоқ бўлиши мумкин?!
Имонли билан имонсизнинг орасида қандай шериклик бўлиши мумкин?!
16 Худонинг маъбади билан бутлар орасида қандай умумийлик бор?! Ахир, биз
барҳаёт Худонинг маъбадимиз–ку! Худо шундай деб айтган:

> “Мен уларнинг орасида яшайман,
> Уларнинг орасида юраман.
> Мен уларнинг Худоси бўламан,
> Улар эса Менинг халқим бўлади.”*

17 Бинобарин, Эгамиз шундай деган:

> “Халқлар орасидан чиқинглар,
> Улардан ажралиб чиқинглар,
> Ҳаромга қўл теккизманг,
> Шунда Мен сизларни қабул қиламан.”*

18 Қодир Худо — Эгамиз яна шундай деб айтган:

> “Мен сизларга ота бўламан,
> Сизлар эса Менга ўғил–қизлар бўласизлар.”*

7–БОБ

1 Эй азизларим, Худо бизга шундай ажойиб ваъдалар берган экан,
баданимизни ва руҳимизни булғовчи ҳар қандай нарсадан ўзимизни поклайлик.
Худодан қўрқиб яшаб, бутунлай Худо учун ажратилган эканлигимизни
кўрсатайлик.
2 Бизга бўлган меҳрингизни кўрсатинг*. Биз ҳеч кимга озор бермадик, ҳеч
кимга зиён етказмадик, ҳеч қачон ўзимизнинг манфаатимизни кўзлаб,
бошқалардан фойдаланмадик. 3 Буларни сизга таъна қилиб айтмаяпман. Ахир,
олдин айтганимдек, ўламизми, яшаймизми, сизлар бизнинг дилимиздасиз.
4 Сизларга жасорат билан гапира оламан, сизлар билан жуда фахрланаман.
Азоб–уқубатларимиз қанчалик кўп бўлмасин, дилим тасаллидан тўлиб–тошади,
беҳад қувонаман.

Павлуснинг шодлиги

5 Биз ҳатто Македонияга борганимиздан кейин ҳам ҳеч хотиржам бўла
олмадик, аксинча, ҳар томондан ғам–ғуссага тушдик: сиртдан ҳужумлар бўлди,
кўнглимизда эса қўрқувлар бор эди. 6 Тушкунликка тушганларга тасалли берувчи
Худо Титусни* ёнимизга юбориб, бизга тасалли берди. 7 Биз фақатгина унинг
келганидан эмас, балки унинг сизлардан олган тасаллиси ҳақида эшитиб ҳам
анча далда топдик. Сизлар мени қаттиқ соғинаётганингиз, мен учун қайғуриб,
тарафимни олганингиз ҳақида хабар олиб келганидан жуда севиндим.
8 Шу сабабдан мактубим* билан сизларни хафа қилган бўлсам ҳам, уни
ёзганимдан афсусланмайман. Тўғри, бу мактуб сизларни бир оз муддатга
бўлса–да, хафа қилганини билиб афсусландим. 9 Мана энди севиняпман. Сизлар
хафа бўлганингиздан эмас, балки бу хафагарчилик сизларни тавбага келтиргани

учун севиняпман. Худо бу хафагарчиликни яхшилик учун ишлатди, шунинг учун биздан ҳеч қандай зиён кўрмадингиз, деб айта оламан. 10 Ахир, Худо яхшиликка ишлатадиган хафагарчилик тавбага олиб келади, тавба эса нажотга етаклайди ва ҳеч қандай армону афсусга сабаб бўлмайди. Бу дунё келтирадиган хафагарчилик эса ўлимга олиб боради. 11 Мана қаранг, Худо яхшиликка ишлатадиган хафагарчилик сизларнинг ҳаётингизда қандай самара келтирди. Энди сизлар менга қарши эмаслигингиз кўриниб турибди. Ўша айбдор бўлган инсондан ғазабланяпсиз, унга ҳамтовоқ бўлиб қолишдан қўрқяпсиз. Мени кўришга интизорсиз. Айбдорни жазолашга тайёрсиз. Мана шуларнинг ҳаммаси сизларнинг бу борада пок эканлигингизни исботламоқда. 12 Мен бу мактубни айб иш қилган инсон* ҳақи ёки айб иш туфайли ранжиган инсон ҳақи ёзмадим. Асосий мақсад, Худонинг олдида сизларнинг менга қанчалик бағишланган эканлигингизни ўзларингизга кўрсатиш эди. 13 Шунинг учун биз анча тасалли топдик.

Бундан ташқари, Титуснинг хурсандчилиги бизни янада қувонтирди, чунки сизлар унинг руҳини кўтарибсизлар. 14 Мен унга сизларни мақтаган эдим, сизлар мени уятга қолдирмабсизлар. Сизларга айтганларимиз тўғри бўлгани каби, мақтаниб Титусга айтганларим ҳам тўғри эканлиги исботланди. 15 Титус сизларнинг итоаткорлигингизни, уни ҳурмат–эҳтиром билан кутиб олганингизни эслар экан, унинг сизларга бўлган муҳаббати янада ошиб бормоқда. 16 Сизларга тўлиқ ишона олганимдан жуда хурсандман.

8–БОБ

Қуддусдаги жамоат учун ҳадя

1 Энди биродарлар, Худонинг Македониядаги жамоатларга* кўрсатган иноятиҳақида сизларга айтмоқчимиз. 2 Улар оғир кулфатларга йўлиқиб, синалган бўлсалар–да, жўшқин бир севинчга тўлиб–тошдилар, ўта камбағал бўлсалар–да, юраклари сахийликка бой эканлигини кўрсатдилар. 3 Улар ўз хоҳишлари билан, қўлларидан келганча, ҳатто имконларидан ортиқ хайр–эҳсон берганларига мен шоҳидман. 4 Улар, Худонинг Қуддусдаги азизларига* ёрдам беришда иштирок этайлик, деб биздан ўтиниб сўрадилар. 5 Ҳатто умид қилганимиздан ҳам зиёдроғини қилдилар. Худонинг иродаси бўйича улар ўзларини аввал Раббимиз Исога, кейин эса бизга бағишладилар.

6 Титус сизларнинг орангизда бошлаган хайрли ишини битирсин деб, уни рағбатлантирдик. 7 Сизлар имон ва илм–маърифатга бой, гапга чечан, нотиқликда моҳирсизлар, ғайрату тиришқоқликда ҳеч кимдан қолишмайсизлар, биз туфайли қалбингизда уйғонган меҳр–муҳаббатингиз* чексиздир. Шундай экан, бу хайрли иш орқали сахийлигингизнинг чексизлигини ҳам кўрсатинг. 8 Мен буни сизларга буйруқ тариқасида эмас, балки меҳр–муҳаббатингизнинг самимийлигини исбот қилишингиз учун айтяпман. Шунинг учун бошқаларнинг ғайратию тиришқоқлигига эътиборингизни қаратяпман. 9 Ахир, ўзингиз Раббимиз Исо Масиҳнинг кўрсатган иноятини биласизлар–ку, У бой бўлса ҳам, сизларни бой қилиш учун камбағал бўлди*.

10-11 Юқорида айтиб ўтилган хайр–эҳсонлар ҳақида маслаҳатим қуйидагичадир: ўтган йили нафақат ўша хайрли ишни қилишни бошладингиз, балки бу ишга қўшилиш ҳақида ўзингиз хоҳиш билдирган эдингиз. Энди ўз манфаатингиз учун хайрли ишингизни охирига етказинглар, қандай ният билан бошлаган бўлсангиз, шундай қилиб, қўлингиздан келганича битиришга ҳаракат қилинглар. 12 Агар инсон ҳадя беришни хоҳласа, ундан йўқ бўлган нарса талаб

қилинмайди, балки ўзида бор нарсасини бергани қабул қилинади.
13 Бошқаларнинг ҳаёти енгиллашиб, сизлар эса оғир аҳволда қолишингизни
истамаймиз. Ҳамманинг орасида тенглик бўлсин. 14 Ҳозирги пайтда сизлардаги
барака улардаги етишмовчиликларни тўлдирсин, пайти келганда улардаги
барака сизлардаги етишмовчиликларни тўлдиради, шундай қилиб тенглик
бўлади. 15 Муқаддас битикларда қуйидагича ёзилган: “Кўп йиғиб олганлардан ҳеч
нарса ортиб қолмади, оз йиғиб олганлар учун эса етарли бўлди.”*

Титус ва унинг йўлдошлари

16 Худога шукур! Мен сизларга қандай ғамхўр бўлсам, Худо сизларга нисбатан
шундай ғамхўрликни Титуснинг дилига жо қилди. 17 Ахир, Титусдан сизларнинг
олдингизга боришни илтимос қилганимда, у нафақат рози бўлди, балки хоҳиш ва
иштиёқ билан борди. 18 У билан бирга барча жамоатларда Хушхабарнинг воизи
деб мақталган биродарни ҳам юбордик. 19 Хайрли ишда ёрдам қилиб, улар билан
бирга Қуддусга борсин деб, жамоатлар уни бизга йўлдош қилиб сайлаган эдилар*.
Биз бу ишни Эгамизни улуғлаш учун ҳамда ўзимизнинг иштиёқимизни кўрсатиш
учун қиляпмиз. 20 Сахийлик билан берилган хайр–эҳсонларни аталган одамларга
етказишда ҳеч қандай айб иш қилмаяпмиз. 21 Биз нафақат Эгамизнинг назарида,
балки инсонлар олдида ҳам тўғри иш қилишга ҳаракат қиляпмиз.
22 Титус ва ваъзхон биродарга қўшиб, яна бир биродарни ҳам юборяпмиз. У
биз томондан кўп синалган ва ҳар жиҳатдан ғайратли эканлигини кўрсатган.
Сизларга нисбатан ишончи комил бўлгани учун унинг сизларга хизмат қилиш
иштиёқи янада кўпайган. 23 Агар Титус ҳақида кимдир сўраса, у менинг ҳамроҳим
ва сизлар учун хизмат қилаётган ҳамкорим эканлигини айтинглар. Ҳалиги икки
биродар эса жамоатлар томонидан юборилган ва улар Масиҳга улуғворлик
келтирадилар. 24 Шундай қилиб, жамоатлар олдида ўша биродарларга бўлган
меҳр–муҳаббатингизни кўрсатиб, уларга сизларни мақтаганимиз бекор
эмаслигини исботланг.

9–БОБ

Сахий бўлишга даъват

1 Сизларга Худонинг Қуддусдаги азизлари учун бериладиган ёрдам* ҳақида
ёзишимга ҳеч ҳожат йўқ. 2 Ахир, биламан–ку, сизлар ёрдам беришга тайёрсизлар,
шунинг учун ҳам “Ахая* ҳудудидаги имонлилар ўтган йилдан бери тайёр”, деб
Македониядаги* имонлиларга сизларни мақтаб юрибман. Сизларнинг сахийлик
билан бераётган хайр–эҳсонларингиз уларни ҳам сахийликка ундади. 3 Энди ўша
мақтанганларим бекор эмаслигини кўрсатиш учун ҳамда мен айтганимдай тайёр
бўлиб туришингиз учун биродарларни сизларнинг олдингизга юборяпман*. 4 Яна
Македонияликлардан баъзилари мен билан бирга борса–ю, сизлар тайёр
бўлмасангиз, сизларга қаттиқ ишонган биз уятга қоламиз, сизлар эса биздан
баттар уялиб қоласиз. 5 Шу сабабдан ваъда қилган ҳадянгизни олдиндан
тайёрлаб қўйинглар деб, ўзим бормасимдан аввал сизларнинг олдингизга
биродарларни юборишни лозим кўрдим. Шунда сизларнинг ҳадянгиз норозилик
билан эмас, сидқидилдан берилган ҳадя бўлади.
6 Шуни унутмангки, оз эккан оз ўриб олади, мўл эккан эса мўл ўриб олади.
7 Ҳар ким норози бўлиб ёки мажбурият билан эмас, балки кўнглида ният
этганини берсин. Ахир, Худо мамнуният билан берадиган инсонни яхши кўради.
8 Худо сизларнинг ҳаётингизни ҳар жиҳатдан иноятга тўлдириб–тоштиришга
қодирдир. Шунда ҳар доим, ҳар жиҳатдан, ҳамма эҳтиёжингиз қондирилади ва

сизлар янада кўпроқ ҳар хил хайрли ишлар қиласизлар. [9] Муқаддас битикларда қуйидагича ёзилган:

> “Бойлигини муҳтожларга сахийлик ила тақсимлайди,
> Унинг солиҳлиги то абад давом этади.”*

[10] Деҳқонга экиш учун уруғ, ҳаммага ейиш учун нон берадиган Худо сизларнинг экадиган уруғингизни мўл қилади, солиҳлигингиздан келадиган ҳосилни ҳам кўпайтиради. [11] Ҳар доим сахий бўлишингиз учун Худо сизни ҳар жиҳатдан бой қилади. Шундай қилиб, биз сизларнинг ҳадяларингизни муҳтожларга етказганимизда, улар Худога кўп шукроналар айтади.

[12] Мана шу ҳадянгиз билан кўрсатган ёрдамингиз нафақат Худонинг Қуддусдаги азизларининг эҳтиёжларини қондиради, балки кўпчиликнинг Худога кўпдан–кўп шукрона айтишига сабаб бўлади. [13] Уларга ҳамда бошқаларга кўрсатган сахийлигингиз ва Масиҳнинг Хушхабарига ишониб, итоаткорона яшаётганингиз туфайли кўпчилик Худони улуғлайди. Ахир, ҳадянгиз буларнинг далолати–ку! [14] Худонинг сизларга кўрсатган чексиз инояти сабабли улар меҳр–муҳаббат билан сизлар учун ибодат қиладилар. [15] Таърифига тил ожиз бўлган ажойиб ҳадяси учун Худога шукур!

10–БОБ

Павлусга Худо берган ҳокимият

[1] Масиҳнинг Ўзи кўрсатган мулойимлик ва меҳрибонлик билан сизлардан илтижо қиламан. Баъзилар мен ҳақимда: “Павлус шахсан орамизда бўлганда мўмин–у, узоқда бўлганда эса жуда жасур экан–а!” деб айтаётган экан. [2] Баъзилар мени бўшанг одам, деб айтаётган экан. Мен албатта бундай одамларга қаттиқ муомала қиламан. Сизлардан ўтинаман, сизларга қаттиқ гапиришга мени мажбур қилманглар. [3] Биз инсон бўлиб, бу дунёда яшасак ҳам, башарий куч билан жанг қилмаймиз. [4] Бизнинг қурол–аслаҳаларимиз башарий манфаат учун эмас, балки илоҳий манфаат учун ишлатилади. Бизнинг қурол–аслаҳаларимиз бу дунёнинг қурол–аслаҳаларидай эмас. Худонинг қудрати билан бу қурол–аслаҳаларимиз қалъадай мустаҳкам бўлган инсоний ўй–хаёлларни ҳамда қуруқ сафсаталарни йўқ қилишга қодир. [5] Худони таниб–билишга тўсқинлик қилаётган такаббурона дунёқарашга биз барҳам берамиз. Ҳар қандай ўй–хаёлни Масиҳга бўйсундириб, асир қиламиз. [6] Шундай қилиб, ўзларингиз ҳам тўла бўйсунганингиздан кейин, биз биргаликда ҳар хил итоатсизликни жазолашга тайёр бўламиз.

[7] Сизлар менинг ҳаворий эканлигимни наҳотки билмасангизлар?!* Агар бирортаси ишонч билан: “Мен Масиҳга тегишлиман”, деса, шуни ўйлаб кўрсин: у тегишли бўлган Масиҳга биз ҳам тегишлимиз! [8] Эгамиз томонидан берилган ҳокимият ҳақида жуда кўп мақтансам ҳам, бундан ҳеч хижолат бўлмайман. Ахир, бу ҳокимият менга сизларнинг имонингизни вайрон қилиш учун эмас, балки мустаҳкамлаш учун берилган.

[9-11] Дарвоқе, баъзилар: “У мактубларида талабчан ва кучли, лекин шахсан биз билан бўлганда эса заиф, сўзлари ҳам таъсирсиз”, деб айтаётган экан. Бундай деб айтаётганлар шуни билиб қўйсинларки, мен фақатгина мактубларимда огоҳлантириб қолмаяпман. Мен мактубларимда қандай инсон эканлигимни кўрсатган бўлсам, ҳузурингизда бўлганимда ҳам шундай инсон эканлигимни ўз ҳаракатларим билан исботлайман.

Мақтанишу мақтанмаслик ҳақида

12 Ўзларига юқори баҳо берадиган одамларнинг қаторига биз ўзимизни
қўшмаймиз, ҳатто улар билан солиштирмаймиз. Улар ўзларини ўзлари билан
ўлчаб, ўзларини ўзларига қиёс қиладилар. Бу қандай аҳмоқлик! 13 Биз ҳаддан
ташқари мақтанмаймиз. Худо бизга юклаган масъулият ва вазифа доирасидан
чиқиб кетмаймиз. Сизлар ҳам бизнинг масъулиятимиз доирасига кирасизлар.
14 Агар биз сизларга масъул бўлмаганимизда эди, сизларга қилган муомаламизда
ҳаддимиздан ошган бўлардик. Аммо ўзларингиз биласиз–ку, биринчи бўлиб
сизларга Масиҳнинг Хушхабарини келтирган бизмиз.
15 Биз ҳаддимиздан ошиб, бошқаларнинг қилган меҳнати билан
мақтанмаймиз. Умид қиламизки, имонингиз ошиб бораверади, шунда сизларнинг
ёрдамингиз билан хизматимиз янада кўпаяди. 16 Шундай қилиб, бошқаларнинг
тайёр ишлари билан мақтанмай, сизлардан узоқроқ бўлган жойларга ҳам
Хушхабарни етказайлик. 17 Муқаддас битикларда ўргатилгандай, ким
мақтанмоқчи бўлса, Эгамизнинг қилган ишлари билан мақтансин!* 18 Ўзини ўзи
мақтаган одам эмас, балки Эгамизнинг мақтовига сазовор бўлган одамгина Унга
мақбул бўлади.

11–БОБ

Павлус ва сохта ҳаворийлар

1 Қанийди, сизлар менинг озгина аҳмоқлик қилишимга чидасангиз!
Иложингиз қанча? Ахир, қаранг, сизлар менга чидаб келяпсизлар–ку! 2 Мен
сизларни Худонинг рашки билан қизғаняпман, чунки гўё бир пок бокира қизни
ягона эрга никоҳлагандай, сизларни Масиҳга тақдим этмоқчиман. 3 Аммо Момо
Ҳаво илоннинг ёлғон–яшиқларига ишониб, йўлдан озгани каби*, сизларнинг ҳам
ўй–хаёлларингиз бузилмасин. Мен сизлардан хавотирдаман, сизлар ўзингизни
чин юракдан, самимийлик билан Масиҳга бағишлаганингизни унутиб қўясиз, деб
қўрқаман. 4 Ахир, биров келиб, биз ваъз қилган Исодан бошқа бир Исо ҳақида ваъз
қилса ёки сизлар олган Руҳдан бошқа бир руҳ ҳақида ва сизлар қабул қилган
Хушхабардан бошқа бир хушхабарни айтса, бундай одамларни хуш қаршилаб
ўтирибсиз. 5 Сизлар “олий ҳаворийлар” деб билган ўша устозларингиздан мен ҳеч
бир нарсада қолишмайман, деб ўйлайман. 6 Мен моҳир ваъзхон бўлмасам–да,
илм–маърифатда ҳеч камчилигим йўқ. Буни сизларга ҳар жиҳатдан очиқ–ойдин
кўрсатдим.
7 Мен сизларни юксалтириш учун ўзимни паст олиб, Худонинг Хушхабарини
сизларга текинга айтиб, гуноҳ қилдимми?! 8 Сизларга хизмат қилиш учун бошқа
жамоатлардан маблағ олдим. Бу билан худди улардан ўғирлагандай бўлдим.
Орангизда бўлиб, муҳтожликда қолганимда ҳам бировга ортиқча юк бўлмадим,
9 чунки Македониядан келган биродарлар* барча эҳтиёжларимни қондирдилар.
Мен бирон нарсада сизларга оғирлигимни туширмасликка ҳаракат қилдим ва
шундай қилишда давом этавераман. 10 Қалбимда Масиҳнинг ҳақиқати борлигига
шубҳа йўқ, шу боис Ахая ҳудуди бўйлаб ёйилаётган бу обрў–эътиборимни ҳеч ким
тўка олмаслигига аминман. 11 Нима учун сизлардан ёрдам сўрамадим? Бу
сизларни ёмон кўришимдан дарак берадими? Мана, Худога аён, сизларни яхши
кўраман.
Мен қилаётган ишимни давом эттираверaман. 12 Ана шунда, бизнинг
ишларимиз Павлуснинг хизмати билан баравар, деб мақтанаётганларнинг
гапларига ҳеч бир асос бўлмайди. 13 Ахир, улар ўзларини Масиҳнинг ҳаворийлари

қилиб кўрсатаётган сохта ҳаворийлар ва ҳийлакор хизматчилар–ку! 14 Бунинг
ҳайрон қоладиган жойи йўқ, чунки ҳатто шайтон ҳам ўзини нурли фариштa
қилиб кўрсатади. 15 Шунинг учун шайтоннинг хизматкорлари ўзларини солиҳлик
хизматчилари қилиб кўрсатар эканлар, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.
Оқибатда улар қилмишларига яраша жазо оладилар.

Павлуснинг чеккан заҳматлари

16 Яна айтаман, бирор киши мени аҳмоқ экан, деб айтмасин. Борди–ю, сизлар
шундай деб ўйласангиз, унда аҳмоқларга қандай муносабатда бўлсангиз, менга
ҳам шундай муносабатда бўлинглар, шунда мен ҳам озгина мақтаниб оламан.
17 Мен баландпарвозлик билан гапириб, аҳмоқлардай мақтаняпман. Бу Раббимиз
Исога муносиб эмас. 18 Модомики, кўпчилик инсоний мавқеи билан мақтанаётган
экан, майли, мен ҳам мақтанай. 19 Ахир, сизлар шунчалик доносизки, ақлсизларга
жон деб тоқат қиласизлар. 20 Ҳақиқат шуки, бирортаси сизларни ўзига асир қилса
ҳам, ҳақингизни еса ҳам, талон–тарож қилса ҳам, ўзини катта тутса ҳам,
юзингизга тарсаки солса ҳам, уларнинг ҳаммасига тоқат қилиб келяпсиз.
21 Биз сизларга ўшандай муомала қилмадик. Шунинг учун биз сизнинг
назарингизда ожиз бўлиб кўрингандирмиз–да?! Бундан уялишимиз керакми?!
Хўп, аҳмоқларча гапираётган эканман, одамлар нима билан мақтанишга журъат
қилаётган бўлса, мен ҳам ўшалар билан мақтанишга журъат қиламан. 22 Улар
ибронийми? Мен ҳам ибронийман! Улар Исроил халқига тегишлими? Мен ҳам
Исроил халқиданман! Улар Иброҳим наслиданми? Мен ҳам Иброҳим
наслиданман! 23 Улар Масиҳнинг хизматкорларими? Мен бефаросатлик қилиб
айтяпманки, уларнинг ҳаммасидан устунман. Заҳмат десангиз, мен улардан
кўпроқ заҳмат чекдим. Зиндон десангиз, улардан кўпроқ зиндонда ётдим. Зарба
десангиз, мен ҳаддан ташқари кўп зарба едим, ҳатто кўп марта ўлимга рўбарў
бўлдим. 24 Яҳудийлардан беш марта бир кам қирқтадан* калтак едим. 25 Рим
амалдорлари мени уч марта калтаклатдилар. Бир марта тошбўрон бўлдим*, уч
марта кемада ҳалокатга учрадим, бир кечаю кундузни денгиз бағрида ўтказдим.
26 Кўп марта узоқ сафарларда бўлдим. Дарёларда таҳликада қолдим. Қароқчилар
ҳужумидан ҳаётим таҳликада қолди. Ўз қондошлариму ғайрияҳудийлар туфайли
таҳлика остида қолдим. Шаҳарда таҳлика, саҳрода таҳлика, денгизда таҳлика,
сохта биродарлар орасида таҳлика! 27 Мен анча меҳнат ва машаққат остида, кўп
марта уйқусизликда, очлик ва ташналикда қолдим. Баъзан ейишга ноним,
совуқда кийишга кийимим бўлмади.
28 Яна булардан ва қолган бошқа нарсалардан ташқари, ҳар куни барча
жамоатлар ҳақида қайғуриш ҳам менинг зиммамда. 29 Айтинг–чи, заиф одам
борми? Мен ундан ҳам заифман. Бирорта одам васвасага тушиб, йўлдан озганми?
Мен васваса дастидан адо бўлдим–ку! 30 Мақтаниш керак бўлса, ожизлигим билан
мақтанаман. 31 Раббимиз Исонинг Отаси — абадий ҳамду санога лойиқ Худо
биладики, мен ёлғон гапирмаяпман. 32 Дамашқда бўлганимда, шоҳ Харетасга*
қарашли вилоят ҳокими мени тутиб олиш учун Дамашқ шаҳрини назорат остига
олган эди. Аммо мени сават ичида шаҳар деворидаги деразадан туширишди* ва
мен унинг қўлидан қочиб қутулдим.

12–БОБ

Павлусга келган ваҳийлар

1 Мақтанишнинг ҳеч фойдаси йўқ, аммо барибир мақтанишим керак. Энди
Эгамиз аён қиладиган ваҳийларга келсак, 2 Масиҳга қарашли бир одамни

биламан*. Ўн тўрт йил олдин ўша одам ердан арши аълога* кўтарилди. Баданда эдими ёки бадандан ташқарида эдими, билмайман, Худо билади. 3 Шуни биламанки, бадандами ёки бадандан ташқаридами, менга эмас, Худога аён, ўша одам 4 жаннатга кўтарилганда инсоннинг тили таърифлашга ожиз бўлган сўзларни эшитди. Бундай сўзларни инсон тилга олмаслиги керак. 5 Бундай одам билан мақтансам бўлади. Лекин ўзим ҳақимда бўлса, ожизлигимдан бошқа ҳеч нарса билан мақтанмайман. 6-7 Агарда ўзим ҳақимда мақтанадиган бўлсам ҳам, аҳмоқона иш қилган бўлмайман, чунки ҳақиқатни гапирган бўламан. Одамлар ўша ҳаддан ташқари ажойиб ваҳийларга қараб менга баҳо бермасинлар. Аммо қилаётган ишларимга қараб ёки мендан эшитганлари бўйича менга баҳо берсинлар, ундан ортиқ мени юқори кўтармасинлар деб, ўзимни тутиб турибман.

Шунинг учун мени кибрланиб кетмасин деб, баданимга бир ниш, мени ниқталайдиган шайтоннинг элчиси берилди. 8 Буни мендан олиб ташлагин, деб уч марта Раббимиз Исога ёлвордим. 9 Лекин У менга шундай деди: “Менинг иноятим доим сенга етарли бўлади, чунки Менинг қудратим сенинг ожизлигингда тўлиқ намоён бўлади.” Шундай қилиб, Масиҳнинг қудрати мен орқали аён бўлиши учун ожизлигим билан мақтанишни афзал кўраман. 10 Шу сабабдан Масиҳ ҳақи ожизликни, хўрликларни, муҳтожликларни, қувғин ва қийинчиликларни шодлик билан қабул қиламан. Айниқса, ожиз бўлган пайтимда Масиҳнинг қудрати билан кучли бўламан.

Павлус Коринфдаги имонлилар учун қайғуради

11 Мен ўзимни ақлсиз инсондай тутдим. Аммо мени бунга ўзларингиз мажбур этдингиз–ку, чунки сизлар мени мақташингиз керак эди. Менинг ўзим ҳеч бир аҳамиятга эга бўлмасам–да, ўша “олий ҳаворийлардан” ҳеч бир кам жойим йўқ. 12 Орангизда бўлганимда ҳар хил қийинчиликларга бардош берганим, мўъжизалару аломатлар, қудратли ишлар қилганим ҳақиқий ҳаворий эканлигимдан далолат беради. 13 Хўш, қачон мен сизларга, бошқа жамоатларга қараганда ёмонроқ муомалада бўлдим? Тўғри, сизларга оғирлигимни туширмадим. Агар бу сизларга адолатсизлик бўлиб туюлса, мени кечиринглар.

14 Мана, сизларнинг олдингизга учинчи марта боришга тайёрман*. Сизларга юк бўлмайман, чунки менга сизларнинг нарсангиз эмас, ўзингиз кераксиз. Зотан, фарзандлар ота–оналари учун эмас, балки ота–оналар фарзандлари учун мол–мулк йиғиши лозим. 15 Шодлик билан бор мол–мулкимни, ҳатто ўз жонимни ҳам сизлар учун бераман. Мен сизларни шунчалик яхши кўрар эканман, сизларнинг мени камроқ яхши кўришингиз тўғри ишми?!

16 Хўп, майли, мен сизларга юк бўлмабман–у, аммо ёлғону ҳийла билан сизларни ўз томонимга оғдириб олганмишман. 17 Сизларнинг олдингизга юборган бирорта одам орқали сизлардан фойдаланиб олдимми? 18 Мен Титусни сизнинг олдингизга боришга ундаган эдим. Ҳалиги бошқа биродар билан у сизларнинг олдингизга бориб*, сизлардан фойдаландими? У мен билан бир ниятда хизмат қилади, йўлимиз бир–ку!

19 Юқорида айтиб ўтган гапларимизнинг ҳаммаси ўзимизни сизларнинг олдингизда ҳимоя қилиш учун ёзилган, деб ўйлаяпсизларми? Билиб қўйинг, биз бу гапларни Масиҳнинг қуллари сифатида Худонинг шоҳидлигида айтяпмиз. Азиз дўстлар, қилаётган ишларимизнинг ҳаммаси сизларни имонда қўллаб–қувватлаш учундир. 20 Мен бир нарсадан қўрқиб турибман: сизларнинг олдингизга борганимда, нимани кўраркинман, сизлар мен ўйлаган одамлар бўлиб чиқмасангиз, мен ҳам сизлар ўйлаган одам бўлиб чиқмасам–а! Борганимда орангизда жанжалу ҳасадгўйлик, жаҳолат, рақобат, бўҳтон, ғийбат, манманлик ва

тартибсизликни кўраман деган хавотирдаман. 21 Борди–ю, яна ёнингизга борганимда, орангиздаги кўпчилик олдин қилган гуноҳларидан тавба қилмай, ифлослик, жинсий ахлоқсизлик ва фисқу фужурни давом эттираётган бўлса, Худойимнинг олдида уятга қолмай, сизлар учун мотам тутиб, йиғламайин.

13–БОБ

Сўнгги панд–насиҳатлар ва саломлар

1 Мен энди сизларнинг олдингизга учинчи марта бораман*. Ўзингиз биласиз, ҳар бир иш иккита ёки учта гувоҳнинг сўзлари асосида кўриб чиқилади*. 2 Мен сизларнинг олдингизга иккинчи марта борганимда гуноҳ қилганларни ҳам, қолганларни ҳам огоҳлантирган эдим. Энди сизларнинг олдингизда бўлмасам ҳам, яна огоҳлантириб айтяпман, кейинги сафар гуноҳ қилганларнинг ҳеч бирини аямайман. 3 Масиҳ мен орқали гапираётганини исботлашимни хоҳлаяпсизми? Менинг хатти–ҳаракатим бунинг далили эмасми?! Масиҳ сизлар билан бўлган муносабатида заиф эмас, аксинча, У орангизда Ўз қудратини намойиш қиляпти. 4 У инсоний танасининг заифлиги туфайли хочга михланиб ўлдирилган эди, аммо энди Худонинг қудрати туфайли тирикдир. Биз ҳам Масиҳнинг инсоний заифлигига шерик бўлсак–да, ўзингиз кўрасиз, Худонинг қудрати туфайли Масиҳнинг ҳаётига ҳам шерик бўламиз.

5 Ўзингизни ўзингиз текшириб кўринглар. Қани, имонда турибсизларми? Ўзингизни синаб кўринглар. Исо Масиҳ орангизда эканлигини билмайсизми? Буни билмасангиз, синовдан ўтмаган бўласиз. 6 Биз синовдан ўтганлигимизни биласиз деган умиддаман. 7 Сизлар ҳеч қандай ёмон ишлар қилмаслигингизни Худодан илтижо қиламиз. Бу бизнинг синовдан ўтганлигимизни исботлаш учун эмас. Мабодо, биз синовдан ўтмаган бўлиб туюладиган бўлсак ҳам, сизлар тўғри иш қилаверинг. 8 Зотан, биз ҳақиқатга қарши тура олмаймиз, балки ҳақиқат йўлида иш тутамиз. 9 Бизлар заиф, сизлар эса кучли бўлганингиздан хурсандмиз. Ахир, сизлар комил бўлишингиз учун Худога илтижо қиламиз. 10 Шунинг учун сизларнинг ёнингизда бўлмасам ҳам шуларни ёзяпман. Токи олдингизга борганимда Эгамиз менга берган ҳокимият билан сизларга қаттиқ муомала қилмайин. Ахир, менга бу ҳокимият сизларни барбод қилиш учун эмас, балки имонингизни мустаҳкамлаш учун берилган.

11 Шундай қилиб, биродарларим, энди сизлар билан хайрлашаман. Камолотга интилаверинглар, бир–бирингизга далда беринглар, ҳамфикр бўлинглар, ўзаро аҳил–иноқ бўлиб яшанглар. Шунда меҳр–муҳаббат ва тинчлик манбаи бўлган Худо сизлар билан бўлади. 12 Бир–бирингиз билан ўпишиб кўришинглар. Худонинг бу ердаги ҳамма азизлари сизларга салом айтяпти.

13 Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти, Худонинг меҳр–муҳаббати ва Муқаддас Руҳнинг ҳамроҳлиги ҳаммангизга ёр бўлсин!*

ИЗОҲЛАР

1:1 *Тимўтий* — 1 Коринфликлар 4:17 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

1:1 *Ахая вилояти* — Рим империясига қарашли вилоят бўлиб, пойтахти Коринф шаҳри эди.

1:16 *...ниятим бор эди* — Павлуснинг Коринфга қилган сафарлари ҳақида батафсил маълумот қолмаган. Баъзи олимлар Павлуснинг сафарлари ҳақида қуйидагича мулоҳаза қиладилар: Павлус Коринфдаги жамоатга асос солган (Ҳаворийлар 18:1-11 га қаранг). Шундан кейин Павлус яна бир бор Коринфга борган (12:14, 13:1 га қаранг). Ана шу иккинчи сафари пайтида ёки ундан олдин ёзган мактубида (1 Коринфликлар 5:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг) Павлус Коринфликларга, сизларни яна кўриш ниятим бор, деб айтган эди. Шунинг учун Павлус Македонияга кетаётганда ва у ердан қайтаётганда Коринфда тўхтаб ўтишни режалаштирди. Аммо кейинчалик Коринф жамоатидаги муаммолар ҳақида эшитгандан сўнг, Македонияга кетаётганда Коринфга кирмасликка қарор қилди. Павлус, Коринфликлар билан кўришганимда орамизга совуқчилик тушмасин деб, уларга ўзларининг муаммоларини ҳал қилишга вақт бермоқчи бўлганди (1:23, 13:1-10 га қаранг). У Эфесда бўлганда Коринфликларга мактубни (яъни “1 Коринфликлар” мактубини) ёзиб, уларга ўша муаммоларни ечиш ҳақида маслаҳат берган. Павлус ўша мактубида режалари ўзгаргани, Коринфга фақат Македониядан қайтаётганда кириб ўтишини айтиб ўтган (1 Коринфликлар 16:5-9 га қаранг). Павлуснинг ўзгарган режаларини Коринфдаги рақиблари унга қарши ишлатган. Улар бошқаларда Павлус ҳақида салбий таассурот қолдириш ниятида Павлусни ишончсиз, сўзида турмайдиган одам, деб айтганлар. Павлус Македонияга боргандан кейин, Коринфда бўлаётган воқеалар ҳақида ва Коринфликлар унинг мактубига (яъни “1 Коринфликлар” мактубига) қандай муносабат билдирганларини Титусдан эшитгач, Коринфликларга яна бир мактубни (яъни “2 Коринфликлар” мактубини) ёзган (7:5-9 га қаранг).

1:16 *...Яҳудияга...* — Қуддусдаги масиҳийларга моддий ёрдам бериш учун Павлус назр йиғишни режалаштирган эди (1 Коринфликлар 16:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг).

1:19 *Силас* — юнонча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Силванус*. Силас илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафарида унга ҳамроҳ эди (Ҳаворийлар 15:22, 32, 36-41 га қаранг).

2:1 *Яна хафагарчилик келтирмаслик учун сизларнинг олдингизга бормасликка қарор қилдим* — Павлус Коринфдаги жамоатга асос солгандан кейин (Ҳаворийлар 18:1-11 га қаранг), яна бир бор у ерга борган эди (12:14, 13:1 га қаранг). Унинг бу иккинчи сафари ҳақида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган. Чамаси, Коринфдаги жамоатда муаммолар бўлган ва Павлус Коринфга қилган бу иккинчи сафари давомида кўнгилсизликларга дуч келган. Павлус Коринфга бўладиган навбатдаги сафари давомида олдингидай кўнгилсизликларга дуч келишни хоҳламаяпти.

2:3 *Олдинги мактуб* — “1 Коринфликлар” мактубига ишора бўлса керак. 1:16 нинг биринчи изоҳига қаранг.

2:5 *Мени хафа қилган одам* — бу ўринда Павлус ким ҳақида гапираётгани аниқ эмас. 1 Коринфликлар 5:1-5 да айтиб ўтилган одам ёки муаммолар келтириб

чиқараётган бошқа бир одам бўлиши мумкин. Ким бўлишидан қатъий назар, жамоат унга танбеҳ берган ва у одам ўз гуноҳларидан тавба қилган.

2:13 *Титус* — Павлуснинг ҳамкори ва ёрдамчиси (8:23 га ва Титус 1:4-5 га қаранг).

2:14 *тантанали юриши* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз урушдан ғалаба билан қайтган Рим лашкарининг тантанали юришига нисбатан ҳам ишлатилган. Рим лашкарбошиси урушдан қайтиб келганда, Рим шаҳрининг кўчалари бўйлаб лашкари билан тантанали юриш қилар эди. Асир олинган душманлар эса ҳамманинг кўзи олдида уларнинг ортидан юрарди. Бу тантанали юриш байрам тусини оларди, куйдирилган тутатқи ва зираворларнинг хушбўй ҳиди бутун шаҳар бўйлаб тараларди.

3:2 *юрагимиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *юрагингиз*.

3:3 *...тош лавҳаларга эмас, балки инсон қалбининг лавҳаларига ёзилгандир* — тош лавҳаларга ёзилган эски аҳдга (Чиқиш 24:12, 31:18, 32:15-16 га қаранг) ва одамларнинг юракларига ёзилган янги аҳдга ишора (Еремиё 31:31-34, 32:39-40, Ҳизқиёл 11:19-20, 36:26-27 га қаранг).

3:6 *янги аҳд* — шу бобнинг 3–ояти изоҳига ва Ибронийлар 7:22, 8:1-10:39 га қаранг.

3:6 *...қонун ўлимга етаклайди, Руҳ эса ҳаёт бағишлайди* — Римликлар 2:12, 7:5-8:11, Галатияликлар 3:10-14, 19-25 га қаранг.

3:7 *Мусонинг ўша улуғворликдан порлаётган юзи* — Чиқиш 34:29-30 га қаранг.

3:13 *...Мусо юзини ёпган эди* — Чиқиш 34:33-35 га қаранг.

3:18 *Эгамизнинг улуғворлиги* — 4:4 га ва Юҳанно 14:9, Колосаликлар 1:15, 19, Ибронийлар 1:2-3 га қаранг.

3:18 *...Эгамизнинг улуғворлигини кўриб турибмиз* — ёки *...Эгамизнинг улуғворлигини кўзгуда кўргандай кўриб турибмиз*.

4:4 *Бу дунёнинг худоси* — яъни шайтон.

4:6 *...Ўз сўзи билан зулматдан нур яратган эди* — Ибтидо 1:3 га қаранг.

4:12 *...ўлим хавфи остида яшашимиз сизларга абадий ҳаёт келтиради* — Павлус ўз хизмати давомида, бошқаларга Хушхабарни тарғиб қилиш йўлида кўп азоб чекканини назарда тутган (Ҳаворийлар 9:15-16, 2 Тимўтий 1:8-12 га қаранг). Исо Масиҳ Ўз фаолияти давомида бошқаларни Ўзидан устун қўйгани сари, Масиҳга ҳаётини бағишлаган Павлус ҳам Ундан ўрнак олиб, Хушхабар ва Масиҳ ҳақи азоб чекишга тайёр бўлган (Марк 10:45 га қаранг).

4:13 Муаллиф бу ўринда Забур 115:1 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

5:16 *Бир вақтлар* — яъни Исо Масиҳга имон келтиришдан олдин.

5:18 *У Масиҳ орқали бизни Ўзи билан яраштирди...* — Римликлар 5:1-11, Колосаликлар 1:21-22 га қаранг.

5:21 *...Худо...Масиҳни гуноҳкорни жазолагандай, жазолади* — Ишаё 53:5-6 га қаранг.

6:2 Муаллиф бу ўринда Ишаё 49:8 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

6:7 *солиҳлик қуроллари* — 10:3-5 га ва Римликлар 13:12, Эфесликлар 6:10-20 га

қаранг.

6:14 *Имонсизлар билан шерик бўлманглар* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *Ўзларингизни имонсизлар билан бирга қўшга қўшманг*, Тавротдан олинган ҳикмат бўлиши мумкин (Қонунлар 22:10 га қаранг). Бу ўринда Павлус ҳамма имонсизлар билан бўлган муносабатлар ҳақида ёзмаяпти. У сохта устозларни ва сохта имонлиларни жамоатга қўшмасликни назарда тутган бўлиши мумкин (11:2-6, 13-15, 20, 1 Коринфликлар 5:9-13 га қаранг). Шунингдек, Павлус имонсизлар билан турмуш қурмаслик ҳақида ҳам маслаҳат бераётган бўлиши мумкин (аммо турмуш қургандан кейин имонга келганларга берилган маслаҳатларини ўқиш учун 1 Коринфликлар 7:12-16 га қаранг).

6:15 *шайтон* — юнонча матнда *Белиар*, шайтонга нисбатан ишлатилган ном.

6:16 Левилар 26:12, Ҳизқиёл 37:27 га қаранг.

6:17 Ишаё 52:11, яна Ҳизқиёл 20:41 га қаранг.

6:18 2 Шоҳлар 7:14, яна Ишаё 43:6 га қаранг.

7:2 *Бизга бўлган меҳрингизни кўрсатинг* — 6:11-13 га қаранг.

7:6 *Титус* — 2:13 изоҳига қаранг.

7:8 *мактубим* — “1 Коринфликлар” мактубига ишора бўлса керак. 1:16 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:12 *айб иш қилган инсон* — 2:5-8 оятларга ва 2:5 изоҳига қаранг.

8:1 *Македониядаги жамоатлар* — Филиппи, Салоника ва Верия шаҳарларидаги жамоатларга ишора бўлса керак. Павлус Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафари давомида бу жамоатларга асос солган эди (Ҳаворийлар 16:9-17:15 га қаранг). Павлус яна бир бор Македонияга борган пайтда “2 Коринфликлар” мактубини ёзган. Македония вилояти Ахая вилоятидан шимолда жойлашган эди. Коринф шаҳри Ахая вилоятининг пойтахти эди.

8:4 *...Худонинг Қуддусдаги азизларига...* — 1 Коринфликлар 16:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

8:7 *...биз туфайли қалбингизда уйғонган меҳр–муҳаббатингиз...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *сизларнинг бизга бўлган меҳр–муҳаббатингиз*.

8:9 *...У бой бўлса ҳам...камбағал бўлди* — Юҳанно 17:5, Филиппиликлар 2:6-8 га қаранг.

8:15 Чиқиш 16:18 га қаранг.

8:18-19 *У билан бирга...мақталган биродарни ҳам юбордик. [19]...жамоатлар уни бизга йўлдош қилиб сайлаган эдилар* — Павлус Титусни Македониядан Коринфга жўнатган, шу ёзган мактубини (яъни “2 Коринфликлар” мактубини) ундан бериб юборган. Коринфликлар Қуддусдаги масиҳийлар учун йиғадиган назрларини Титус ва унга ҳамроҳ бўлиб борган биродар олишлари ва сақлаб қўйишлари керак эди (1 Коринфликлар 16:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Кейинчалик, Павлус ўз ҳамкорлари ва Титуснинг ҳамроҳи билан бирга Коринфда йиғилган назрларни Қуддусга олиб боради. Шу бобнинг 22–оятида Павлус Титус билан бирга Коринфга юборилган яна бир биродар ҳақида ёзган. Титуснинг ҳамроҳи бўлган бу икки биродар ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ.

9:1 *...Худонинг Қуддусдаги азизлари учун бериладиган ёрдам...* — 1 Коринфликлар 16:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

9:2 *Ахая* — Рим империясига қарашли вилоят бўлиб, пойтахти Коринф шаҳри эди.

9:2 *Македония* — 8:1 изоҳига қаранг.

9:3 *...биродарларни сизларнинг олдингизга юборяпман* — 8:18-19 изоҳига қаранг.

9:9 Забур 111:9 га қаранг.

10:7 *Сизлар менинг ҳаворий эканлигимни наҳотки билмасангизлар?!* — юнонча матнда *Кўз олдингизда бўлганларга қаранг!* ёки *Сизлар ташқи қиёфага қараб баҳо беряпсизлар*.

10:17 *...ким мақтанмоқчи бўлса, Эгамизнинг қилган ишлари билан мақтансин* — Еремиё 9:24 га қаранг.

11:3 *...Момо Ҳаво илоннинг ёлғон–яшиқларига ишониб, йўлдан озгани каби...* — Ибтидо 3:1-6, 13 га қаранг.

11:9 *Македониядан келган биродарлар* — Павлус Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафари давомида Филиппи, Салоника ва Верия шаҳарларида жамоатларга асос солган эди (Ҳаворийлар 16:9-17:15 га қаранг). Бу шаҳарлар Македонияда бўлган. Македония вилояти Ахая вилоятидан шимолда жойлашган эди. Коринф шаҳри Ахая вилоятининг пойтахти эди.

11:24 *...бир кам қирқтадан...* — қамчилаш жиноят учун бериладиган жазолардан бири эди. Таврот қонунига кўра, қирқ даррадан ортиқ қамчилаш мумкин эмас эди (Қонунлар 25:3 га қаранг). Шу сабабдан қирқ қамчидан ошиб кетмаслик учун 39 дарра урилган ва бу жазолаш энг оғир қамчилаш жазоси бўлган.

11:25 *Бир марта тошбўрон бўлдим...* — Ҳаворийлар 14:19-20 га қаранг.

11:32 *шоҳ Харетас* — Ҳирод Антипаснинг қайнатаси. У милоддан олдинги 9 йилдан то милодий 40 йилгача қадимги Фаластиндан жануби–шарқдаги Набатея юртида ҳукмронлик қилган. Набатеянинг пойтахти Петра шаҳри эди. Ўша пайтларда Дамашқ шаҳри ҳам Харетас қўли остида эди. Исо Масиҳ Павлусга зоҳир бўлгандан кейин, Павлус Набатеяда бирмунча вақт ўтказган бўлиши мумкин (Галатияликлар 1:17 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Эҳтимол, Павлус у ерда Хушхабар айтган ва Харетас Павлус ҳақида эшитган.

11:32 *...мени сават ичида шаҳар деворидаги деразадан туширишди...* — Ҳаворийлар 9:23-25 оятларга ва Ҳаворийлар 9:25 изоҳига қаранг.

12:2 *Масиҳга қарашли бир одамни биламан* — Павлуснинг ўзини назарда тутган.

12:2 *арши аъло* — юнонча матнда *учинчи осмон*.

12:14 *...сизларнинг олдингизга учинчи марта боришга тайёрман* — 2:1 изоҳига қаранг.

12:18 *Ҳалиги бошқа биродар билан у сизларнинг олдингизга бориб...* — 8:17-19 оятларга ва 8:18-19 изоҳига қаранг.

13:1 *...сизларнинг олдингизга учинчи марта бораман* — 2:1 изоҳига қаранг.

13:1 *...ҳар бир иш иккита ёки учта гувоҳнинг сўзлари асосида кўриб чиқилади* — бу гапи билан Павлус Коринфдаги муаммоларни ҳал қилишда одиллик билан иш тутишга ваъда беряпти (Қонунлар 19:15, Матто 18:15-16 га қаранг).

13:13 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Галатия Рим империясининг бир вилояти бўлиб, ҳозирги Туркиянинг марказий қисмида жойлашган эди. Ҳаворий Павлус Галатиянинг баъзи ҳудудларида Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни тарғиб этди. Бунинг натижасида у ерда имонлилар жамоатининг бир нечтаси вужудга келди.

Бир қанча вақт ўтгандан кейин Павлусга қарши бўлган баъзи одамлар Галатияга бориб, у ердаги жамоатларга ўз таъсирини ўтказа бошладилар. Уларнинг таълимоти бўйича, инсон Худонинг назарида солиҳ бўлиши учун нафақат Исо Масиҳга имон келтириши, балки яҳудий динининг қонунларини бажариши лозим эди. Бу одамлар Галатиялик имонлиларни суннат қилинишга ундар эдилар. Павлус эса суннатга эмас, аксинча, имонга урғу беради. У Галатиялик масиҳийларни қатъиян огоҳлантириб, қонун бўйинтуруғини тақманглар, Масиҳдаги озодликдан маҳрум бўлманглар, деб айтади.

Павлус бу мактубни жамоатдаги ёлғон таълимотларни фош қилиш ниятида ёзган. У Галатиялик масиҳийларни Исо Масиҳга бўлган ҳақиқий имонни маҳкам тутишга ундайди. Павлус мактубда биринчи навбатда ўзининг Худо томонидан юборилган ҳаворий эканини таъкидлаб, таълимоти ҳаққоний эканига урғу беради.

Мактуб давомида муаллиф, инсон фақатгина Исо Масиҳга бўлган имони орқали Худонинг олдида оқланади, деб айтади. Сўнг Иброҳим пайғамбарнинг ҳаётидан мисоллар келтиради, қонун ва имоннинг зиддияти ҳамда иккаласининг асл моҳиятини тушунтиради.

Мактубнинг сўнгги бобларида Павлус инсон фақат имон билан яшаши кераклигини таъкидлайди. Муқаддас Руҳдаги озодликдан баҳра олиб, Муқаддас Руҳ бошчилигида янги ҳаёт кечириши кераклигига урғу беради.

1–БОБ

Дуойи салом

[1-2] Мен — Павлус ва мен билан бирга бўлган ҳамма биродарлар Галатия вилоятидаги имонлилар жамоатларига салом йўллаймиз. Мен инсонлар томонидан эмас, инсон орқали ҳам эмас, балки Исо Масиҳ ва Уни тирилтирган Отамиз Худо томонидан ҳаворий қилиб тайинланганман. [3] Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноят ҳамда тинчлик ато қилсин. [4] Исо Масиҳ бизни ҳозирги ёвуз замондан қутқарай деб, бизнинг гуноҳларимиз учун Ўзини фидо қилди. У шу йўсин Отамиз Худонинг иродасини адо этди. [5] Худога абадулабад шон–шарафлар бўлсин! Омин.

Ягона Хушхабар

[6] Сизлар Худодан шунчалик тез юз ўгириб, бошқа бир хушхабарга юз бураётганингиздан жуда ҳайронман. Ахир, Масиҳнинг иноятиорқали Худо сизларни Ўз Хушхабарига даъват қилган эди. [7] Ўша Хушхабардан бошқа ҳеч

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

қандай хушхабар йўқ–ку! Фақат баъзилар сизларни чалғитиб, Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни бузиб кўрсатмоқчи бўладилар. 8 Аммо кимда–ким, ҳатто биз ўзимизми ёки осмондан келган бирор фариштами, сизларга биз етказган Хушхабардан бошқа бир хушхабар келтирса, у лаънати бўлсин! 9 Мен олдин ҳам айтган эдим, ҳозир ҳам айтяпман: кимки сизлар қабул қилган Хушхабарга зид бўлган хабарни тарғиб этса, лаънати бўлсин!

10 Хўш, мен кимнинг мақтовига сазовор бўлмоқчиман: инсонларнингми ёки Худонингми?! Наҳотки инсонларни мамнун қилмоқчи бўлсам?! Агар мен ҳали ҳам инсонларни мамнун қилаётган бўлсам эди, Масиҳнинг қули бўлолмас эдим!

Хушхабарни тарғиб этишга Павлусни Худо даъват қилган

11 Эй биродарлар, сизларга айтиб қўяй: мен тарғиб этаётган Хушхабар инсон ижоди эмас. 12 Ахир, мен бу Хушхабарни инсондан қабул қилмаганман ёки бирор одамдан ўрганмаганман. Уни менга Исо Масиҳнинг Ўзи ваҳий орқали аён қилган.

13 Мен яҳудий динига эътиқод қилиб, қандай ҳаёт кечирганим ҳақида эшитгансизлар. Ўша пайтларда Худонинг жамоатини шафқатсизларча қувғин қилардим, уни қириб ташлашга ҳаракат қилардим. 14 Қавмимдан бўлган кўп тенгдошларимга қараганда, яҳудий динини чуқурроқ тушуниб, улардан анча илгарилаб кетган эдим. Ота–боболаримнинг урф–одатларини деб, жонкуярлик қилардим. 15 Аммо Худо менга мурувват қилди, иноят билан мени Ўзига даъват этиб, онам қорнида бўлганимдаёқ мени танлаган эди. 16 Мен ғайрияҳудийлар орасида Худо Ўғли ҳақидаги Хушхабарни тарғиб қилишим учун, Худо Ўз Ўғлини менга зоҳир қилди. Шунда мен ҳеч бир инсон билан маслаҳатлашмадим. 17 Ҳатто мендан олдин ҳаворий бўлганларни кўриш учун Қуддусга бормай, дарҳол Арабистонга жўнадим. Ундан кейин яна Дамашққа қайтдим*.

18 Уч йилдан кейин*, Бутрус* билан танишай деб, Қуддусга бордим*. Унинг ёнида ўн беш кун бўлдим. 19 Аммо Қуддусда Бутрусдан ва Раббимиз Исонинг укаси Ёқубдан* бошқа ҳеч бир ҳаворийни кўрмадим. 20 Мен сизларга нима ёзаётган бўлсам, Худо шоҳид, ҳеч бири ёлғон эмас.

21 Ундан сўнг Сурия ва Киликия ҳудудларига бордим*. 22 Яҳудия ўлкасидаги имонлилар жамоатлари мени ҳали шахсан танимас эдилар. 23 Ўша имонлилар мен ҳақимда фақат бошқаларнинг: “У бир вақтлар бизларни қувғин қилиб юрган киши эди. Энди эса илгари илдизи билан қуритмоқчи бўлган имонни ўзи тарғиб қилмоқда” деган гапларини эшитардилар 24 ва мен туфайли Худони улуғлар эдилар.

2–БОБ

Қуддусдаги ҳаворийлар Павлуснинг ишларини маъқуллайди

1 Ўн тўрт йил ўтгандан кейин, мен Барнабо* билан бирга яна Қуддусга бордим*. Титусни* ҳам ёнимга олган эдим. 2 Худо менга берган ваҳийга биноан у ерга боргандим. Ўша ердаги жамоатнинг эътиборли етакчилари билан алоҳида учрашдим. Уларга ғайрияҳудийлар орасида ўзим тарғиб қилаётган Хушхабарнинг моҳиятини баён этдим. Буни олдин қилган ва ҳозир қилаётган ишларим беҳуда кетмаслиги учун қилган эдим. 3 Ҳатто ҳамроҳим Титус, юнон бўлишига қарамай, суннат қилинишга мажбур этилмади. 4 Аммо баъзи сохта биродарлар билдирмайгина орамизга кириб олиб, Исо Масиҳ бизга ато этган озодлик ҳақида суриштириб кўрдилар. Уларнинг мақсади бизни яна қулларга айлантириш эди. 5 Биз эса, Хушхабарнинг ҳақиқати доимо сизлар билан бўлсин деб, уларга заррача ҳам ён бермадик.

6 Эътиборли ҳисобланган етакчилар билан учрашганим ҳақида айтиб ўтдим.
Уларнинг қандай мартабага эгалиги менга барибир, зотан, Худо инсонлар
орасида тарафкашлик қилмайди. Энди уларга келганда шуни айтай, улар мендан
бошқа ҳеч нима талаб қилмадилар. 7 Аксинча, яҳудийларга Хушхабар етказиш
Бутрусга буюрилгандай, ғайрияҳудийларга Хушхабар етказиш менга
буюрилганини улар тушуниб етдилар. 8 Ахир, Бутрусни яҳудийлар орасида
ҳаворийлик фаолиятини кўрсатишга тайинлаган Худо мени ҳам ғайрияҳудийлар
орасида хизмат қилишга тайинлади. 9 Шундай қилиб, Худо менга бу иш учун
алоҳида иноят берганига Ёқуб*, Бутрус* ва Юҳанно ишонч ҳосил қилдилар.
Имонлилар жамоатининг устуни ҳисобланмиш бу ҳаворийлар биз билан қўл
ташлашди: мен ва Барнабо ғайрияҳудийлар орасида, улар эса яҳудийлар орасида
хизмат қилишга рози бўлишди. 10 Улар биздан, фақат камбағалларга ғамхўрлик
қилишни давом эттиринглар*, деб илтимос қилдилар. Шахсан мен анчадан бери
бу ҳақда жон куйдирардим.

Павлус Антиохияда Бутрусга танбеҳ беради

11 Бутрус Антиохия шаҳрига келганда*, унинг нотўғри иш тутаётганлигини
очиқчасига юзига айтдим. 12 Чунки Қуддусдан — Ёқубнинг олдидан баъзи
одамлар келмасдан аввал Бутрус ғайрияҳудийлар билан бирга еб–ичиб юрган
эди. Аммо улар келгандан кейин Бутрус суннат тарафдори бўлганлардан*
хавотирланиб, ўзини четга олди ва ғайрияҳудийлар билан бирга бир дастурхонда
ўтирмайдиган бўлди. 13 Шунда бошқа яҳудий масиҳийлар ҳам Бутрусга ўхшаб
иккиюзламачилик қилишди. Ҳатто Барнабо ҳам уларнинг иккиюзламачилиги
туфайли йўлдан озди. 14 Мен уларнинг Хушхабар ҳақиқати бўйича иш
тутмаётганини кўриб, ҳамманинг олдида Бутрусга шундай дедим: “Мана сиз
яҳудий бўла туриб, яҳудийлар каби эмас, ғайрияҳудийлардай яшаяпсиз. Шундай
экан, қандай қилиб ғайрияҳудийларни яҳудийлар каби яшашга мажбур қила
оласиз?”

Инсон фақатгина Масиҳга бўлган имони туфайли оқланади

15 Тўғри, бизлар яҳудий наслиданмиз, гуноҳкор ҳисобланган
ғайрияҳудийлардан эмасмиз. 16 Лекин шуни биламизки, инсон қонунга* амал
қилиш билан эмас, балки Исо Масиҳга бўлган имони орқали оқланади. Шунинг
учун ҳам биз қонунга амал қилиш билан эмас, Масиҳга бўлган имонимиз туфайли
оқланамиз деб, Исо Масиҳга ишондик. Ахир, ҳеч ким қонунга амал қилиш билан
оқланмайди. 17 Мана, биз Масиҳ орқали оқланишга интиляпмиз, бу эса биз ҳам
ғайрияҳудийлар қатори гуноҳкор эканлигимизни* кўрсатиб турибди. Бундан
келиб чиқадики, гуноҳкорлигимизнинг сабабчиси Масиҳ экан–да? Йўқ, асло!
18 Аммо мен ўзим қулатган қонун–қоидалар биносини қайтадан қуришга
киришадиган бўлсам, унда мен яна қонунбузар бўлиб қоламан*. 19 Ахир,
қонуннинг ўзи мени ўлимга маҳкум қилди. Энди мен Худо учун яшай деб, қонун
учун ўлганман*. Мен Масиҳ билан бирга хочга михлаб қўйилганман. 20 Энди
яшаётган мен эмас, балки Масиҳдир. У менинг ҳаётимни бошқаряпти. Ҳали тирик
эканман, Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайман. Ахир, У мени севиб,
Ўзини мен учун фидо қилган. 21 Мен Худонинг иноятини инкор қилмайман. Агар
қонунга амал қилиш билан оқланиш мумкин бўлганда эди, Масиҳ беҳуда ўлган
бўларди.

3–БОБ

Қонунга амал қилиш ва Масиҳга ишониш ҳақида

1 Эй бефаҳм Галатияликлар! Ким сизларни сеҳрлаб қўйди?* Ахир, Исо
Масиҳнинг хочга михлангани кўз ўнгингизда аниқ тасвир этилмаганмиди?!
2 Сизлардан фақатгина бир нарсани сўраб билмоқчиман! Хўш, сизлар Руҳни
қандай қилиб олдингизлар: қонунга* амал қилиш орқалими ёки
эшитганларингизга ишониш орқалими? 3 Сизлар шунчалик бефаҳммисизлар? Руҳ
қудрати билан янги ҳаёт бошлаган экансиз, энди уни ўз инсоний кучингиз билан
камолга етказмоқчимисиз? 4 Татиб кўрганларингизнинг ҳаммаси беҳуда
кетдими? Наҳотки ростдан ҳам беҳуда кетган бўлса?! 5 Худо сизларга Ўз Руҳини
ато этиб, орангизда мўъжизалар яратмоқда. Нима деб ўйлайсиз: У буни қонунга
амал қилганингиз учун қиляптими ёки эшитганларингизга ишонганингиз
учунми?!

6 Муқаддас битикларда Иброҳим ҳақида шундай ёзилган: “У Худога ишонди,
мана шу ишончи учун Худо уни солиҳ деб билди.”* 7 Шундан билингларки, ким
имонли бўлса, ўша инсон Иброҳимнинг авлоди деб ҳисобланади. 8 Худо даставвал
Иброҳимга: “Барча халқлар сен орқали барака топадилар”*, деб Хушхабар
келтирган. Муқаддас битиклардаги бу сўзлар шуни кўрсатадики, Худо
ғайрияҳудийларни имон орқали оқлайди. 9 Шунинг учун ким имонли бўлса,
Худога ишонган Иброҳим қатори Худонинг баракасидан баҳраманд бўлади.

10 Қонунга амал қилиш орқали Худони мамнун қилмоқчи бўлганларнинг
ҳаммаси лаънат остидадир. Ахир, Муқаддас битикларда: “Қонун китобидаги
амрларнинг ҳаммасини тўлиқ бажармаганлар лаънат остидадир!”* деб
ёзилган–ку! 11 Шундай экан, кўриниб турибдики, қонунга амал қилиш билан ҳеч
ким ўзини Худо олдида оқлай олмайди, зотан, солиҳ инсон имон туфайли ҳаётга
эга бўлади*. 12 Қонунни бажариш имонга асосланмаган, қонунда фақатгина
амрларнинг ҳаммасини бажарганларга ҳаёт ваъда қилинган*.

13 Масиҳ эса бизни қонун лаънатидан халос қилди. У хочга михланганда
бизнинг ўрнимизга лаънатланди. Ахир, Муқаддас битикларда: “Ёғочга қоқилган
ҳар бир киши лаънатидир”*, деб ёзилган–ку! 14 Шу йўсин ғайрияҳудийлар ҳам Исо
Масиҳ орқали Худонинг Иброҳимга ваъда қилган баракаларидан баҳраманд
бўладилар, биз ҳам имон орқали Худо ваъда қилган Руҳни оламиз.

Худонинг ваъдаси ва қонуннинг ғояси

15 Биродарлар! Ҳаётдан бир мисол келтирай: одамнинг васияти
тасдиқлангандан кейин уни ҳеч ким бекор қилолмайди ва унга ҳеч нарса
қўшолмайди. 16 Энди эса Худонинг Иброҳимга ва унинг зурриётига берган
ваъдаларига қарайлик. Муқаддас битикларда Иброҳимга: “Сенинг
зурриётларингга*”, деб айтилмаган, аксинча, “Сенинг зурриётингга”*, деб
айтилган. Бундан кўриниб турибдики, ваъдада кўпчилик эмас, балки бир Киши,
яъни Масиҳ назарда тутилган. 17 Шуни айтмоқчиманки, Худо Иброҳим билан аҳд
тузгандан сўнг 430 йил* ўтгач, қонун берилди. Аммо тасдиқланган аҳдни қонун
кучдан қолдирмади, демак, Худонинг ваъдасини бекор қилмади. 18 Агар Худонинг
инъоми инсонларнинг қонунга амал қилишига кўра, бериладиган бўлса, демак,
ваъдага кўра, берилмайди. Иброҳимга эса Худо Ўз инъомини ваъда бўйича берди.

19 Ундай ҳолда қонун нима учун берилган? Қонун гуноҳкорлигимизни
кўрсатиш учун берилган. Иброҳимнинг ваъда қилинган Зурриёти* келмагунча, бу
қонун жорий бўлиши керак эди. Қонун фаришталар томонидан*, бир воситачи*
орқали халққа берилди. 20 Ваҳоланки, одам бир ўзи иш қилганда, воситачи керак

бўлмайди. Танҳо бўлган Худо эса ваъда берганда ҳеч бир воситачисиз беради.
21 Хўш, қонун Худонинг ваъдаларига зидми? Асло! Агар абадий ҳаёт ато
қилишга қодир бир қонун берилган бўлса эди, унда шубҳасиз қонунга амал
қилиш билан оқланса бўлар эди. 22 Аммо Муқаддас битикларга кўра, бутун борлиқ
гуноҳнинг тутқунидир*. Шунинг учун ваъда фақат Исо Масиҳга ишониш орқали
рўёбга чиқади ва имонлиларга насиб бўлади.
23 Имон йўли аён бўлишидан аввал, биз қонун назорати остидаги тутқунлар
эдик. Ўша имон аён бўлишини кутаётган эдик. 24 Бошқача айтганда, қонун
Масиҳга бошловчи мураббийимиз эди. Энди эса биз Масиҳга бўлган имон орқали
оқланамиз. 25 Имон йўли аён бўлган экан, биз энди мураббийнинг тарбиясида
эмасмиз.

Масиҳга ишонганлар Худонинг фарзандларидир

26 Энди сизлар Исо Масиҳга бўлган имонингиз орқали Худонинг
фарзандисизлар. 27 Сизлар сувда чўмдирилиб, Масиҳ билан бирлашдингиз. Ҳар
бирингиз Масиҳга бурканиб олдингиз. 28 Энди на яҳудий, на юнон* бор, на қул, на
озод бор, на эркак, на аёл бор. Сизлар Исо Масиҳга тегишли бўлганингиз учун
ҳаммангиз бирсизлар. 29 Сизлар Масиҳники экансизлар, демак Иброҳимнинг ҳам
зурриётисизлар, берилган ваъданинг баракаларидан баҳраманд бўласизлар.

4–БОБ

1 Мен бундай демоқчиман: меросхўр ҳали ёш бола экан, гарчи у бутун
мулкнинг эгаси бўлса ҳам, қулдан ҳеч фарқ қилмайди. 2 У отаси белгилаган
фурсатгача васийга ва уй–рўзғорни бошқарувчи хизматкорга бўйсунади. 3 Худди
шу сингари, бизлар ҳам олдин болалардай бўлиб, хурофот кучларига* қул эдик.
4 Муддат битгандан кейин, Худо Ўз Ўғлини юборди. Унинг Ўғли қонун* остидаги
ҳаёт учун аёлдан туғилди. 5 Худонинг Ўз Ўғлини юборишдан мақсади бизни қонун
остидаги ҳаётдан халос этиб, Ўзига фарзанд қилиб олиш эди. 6 Биз Худонинг
фарзандлари эканлигимизни кўрсатиш учун У юрагимизга Ўз Ўғлининг Руҳини
юборди. Бу Руҳ орқали биз Худони “Отажон”* деб чақирамиз. 7 Демак, энди сиз қул
эмас, балки фарзандсиз. Фарзанд экансиз, Худонинг шарофати билан У Ўз
фарзандларига атаган қут–баракаларга эга бўласиз.

Павлус Галатияликлар учун қайғуради

8 Олдин сизлар Худони билмаган пайтингизда, асли худолар бўлмаган
кучларга қул эдингиз. 9 Энди эса Худони биласизлар, тўғрироғи, Худо сизларни
билади. Шундай экан, қандай қилиб яна ўша кучсиз, қадрсиз хурофотларга
қайтяпсиз?! Қандай қилиб яна ўшаларга қул бўлишни хоҳлаяпсиз?! 10 Сизлар
белгиланган алоҳида кунлар, ойлар, йилларга риоя қилиб, диний маросимлар
ўтказяпсиз! 11 Сизлар учун қайғуряпман! Наҳотки сизларни деб чеккан
заҳматларим бекор кетган бўлса?!
12 Эй биродарлар, сизлардан илтимос қиламан, менга ўхшаган бўлинглар,
чунки мен ҳам сизларга ўхшаб қонун остидаги ҳаётдан озодман. Сизлар менга ҳеч
ҳам озор бермагансиз. 13 Ўзингиз биласиз, мен сизларга биринчи марта Хушхабар
айтганимда, жисман ожиз эдим. 14 Ожизлигим туфайли сизларга оғирлигим
тушган бўлса ҳам, мендан нафратланмадингиз, мени рад этмадингиз. Аксинча,
мени Худонинг фариштасидай, худди Исо Масиҳнинг Ўзини қабул қилгандай
қабул қилдингиз. 15 Қани энди ўша хайрихоҳлигингиз?! Ахир, ўзим шоҳидман:
агар иложи бўлганда, ҳатто кўзларингизни ҳам суғуриб олиб, менга берган
бўлардингиз! 16 Наҳотки энди сизларга ҳақиқатни айтганим учун душманингиз

бўлиб қолган бўлсам?!
17 Баъзи бировлар сизларни ўзларига оғдириб олишга тиришмоқдалар*. Лекин
улар сизларнинг фойдангизни кўзламаяптилар. Сизлар уларнинг атрофида
гирдикапалак бўлишингиз учун улар бизни бир–биримиздан ажратиб
ташламоқчи. 18 Яхши ғояга бағишланиш яхшидир. Лекин бу фақат мен
сизларнинг олдингиздалигимда эмас, балки доим шундай бўлиши керак.
19 Болаларим, мен сизларни янгидан туғаётгандай, тўлғоқ азобидаман. Мақсадим
шуки, сизларда Масиҳнинг табиати намоён бўлсин. 20 Сизлар мени таажжубга
солиб қўйдингиз! Қани, энди сизларнинг олдингизда бўлсам–у, бошқа оҳангда
гапира олсам!

Иброҳимнинг икки ўғли ва уларнинг оналари мисоли

21 Эй сизлар, қонун остидаги ҳаётни афзал кўрганлар, менга айтинглар–чи,
наҳот сизлар Тавротдаги қонунларни тушунмасангизлар?! 22 Ахир, унда
ёзилганлардан биламизки, Иброҳимнинг икки ўғли бўлган. Ўғилларининг бири
чўридан*, иккинчиси эса озод аёлдан* туғилган. 23 Чўрисиники инсон ташаббуси
билан, озод хотининики эса Худонинг ваъдасига биноан туғилган эди. 24 Бунда
рамзий маъно бор. Икки она Худонинг икки аҳдини* билдиради: биринчиси —
қулларни туғадиган Ҳожар биби Синай тоғида қилинган аҳднинг рамзидир.
25 Ҳожар Арабистондаги Синай тоғини* билдирса–да, у яҳудий динининг маркази
бўлмиш ҳозирги Қуддуснинг рамзидир. Ахир, Қуддус ва унинг болалари
қулликдалар–ку. 26 Самовий Қуддус эса озоддир: у бизларнинг онамиздир!
27 Муқаддас битикларда шундай ёзилган:

> “Эй бола кўрмаган бепушт аёл!
> Шод бўлгин!
> Эй тўлғоқ оғриғини билмаган аёл!
> Хитоб қил, ҳайқиргин!
> Ахир, ташлаб кетилган аёлнинг болалари
> Эри бор хотинникидан ҳам кўпроқ бўлади!”*

28 Сизлар эса, эй биродарлар, Исҳоққа ўхшаб ваъдага биноан туғилган
фарзандларсиз. 29 Ўша замонда табиий йўл билан туғилган ўғил* Руҳнинг кучи
билан туғилган ўғилни* қувғин қилди. Ҳозир ҳам худди шундай. 30 Аммо бу ҳақда
Муқаддас битикларда нима дейилган? “Чўрини ва унинг ўғлини ҳайдаб юборинг,
чунки чўрининг ўғли озод аёлнинг ўғли билан бирга меросхўр бўлмайди”*, — деб
ёзилган–ку! 31 Шундай қилиб, эй биродарлар, биз чўрининг эмас, балки озод
аёлнинг фарзандларимиз.

5–БОБ

Масиҳ озодлик ато этади

1 Бизга эркинлик бериш учун Масиҳ бизни озод қилди. Энди шу эркинликни
маҳкам тутинглар, қайтадан қуллик бўйинтуруғини* тақманглар. 2 Мана, мен,
Павлус, сизларга айтяпман: агар сизлар суннат қилинсангиз*, Масиҳнинг
сизларга ҳеч қандай фойдаси йўқ. 3 Суннат қилинадиган ҳар бир одамга яна
таъкидлаб айтаман: у бутун қонунни* бажаришга мажбурдир. 4 Сизлар, қонунни
бажариш билан ўзимизни оқлаймиз деб, Масиҳдан ажралдингизлар ва ўзингизни
Худонинг иноятидан маҳрум қилдингизлар. 5 Бизлар эса Руҳга таяниб, Худо бизни
имонимиз туфайли солиҳ деб эълон қилишини интизорлик билан кутяпмиз. 6 Исо

Масиҳга тегишли бўлганлар орасида суннат қилинган, қилинмаганликнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Фақатгина меҳр–муҳаббат орқали ифодаланган имонимиз муҳимдир.

7 Сизлар имон йўлида олға қадам босаётган эдингиз. Хўш, ҳақиқатга қулоқ
солишингизга ким халақит берди? 8 Албатта Худо эмас! Унинг Ўзи сизларни
даъват қилган–ку! 9 Эсингизда бўлсин, озгина хамиртуруш* бутун хамирни
ачитади! 10 Ишонаманки, сизлар бу хусусда бошқача фикр қилмайсизлар. Бу
ишончни Раббимиз Исонинг Ўзи менга берди. Аммо сизларнинг фикрингизни
чалғитувчи ким бўлмасин, жазосини олади. 11 Биродарлар, борди–ю, мен ҳамон
суннатни тарғиб этаётган бўлганимда эди, қувғинларга дучор бўлмаган
бўлардим. Бундай ҳолда Исо Масиҳнинг хочдаги қурбонлиги ҳақидаги
тарғиботим ҳеч кимнинг жаҳлини чиқармасди. 12 Қанийди, сизларни
чалғитаётганларнинг* ўзлари биратўла бичилса!

13 Эй биродарлар, сизлар озод ҳаёт кечиришга даъват қилингансизлар. Лекин
бу ўзингизнинг худбин истакларингизга эрк бериш дегани эмас, аксинча,
бир–бирингизга муҳаббат билан хизмат қилинглар деганидир. 14 Ахир, қонун:
“Ўзгани ўзингизни севгандай севинг”* деган гапда мужассам. 15 Эҳтиёт бўлинглар!
Ҳадеб тишлашиб, ғажишаверманглар, бўлмаса охири бир–бирингизни еб
битирасиз!

Руҳ етакчилигида ҳаёт кечиринг

16 Яна шуни айтайин: Руҳ етакчилигида ҳаёт кечиринг, шунда худбин
истакларингизни қондирмайсиз*. 17 Ахир, ўшандай инсоний истаклар Руҳга
қарши, Руҳнинг истаклари эса инсоний худбин истакларга қаршидир. Буларнинг
иккаласи бир–бирига қарши, шунинг учун сизлар хоҳлаганингизни қила
олмайсизлар. 18 Аммо Руҳ сизни бошқарса, сиз қонуннинг амри остида эмассиз.

19 Худбин истакларга эрк бериш қуйидагиларни келтириб чиқариши ҳаммага
аён: фаҳш–зино, ҳаром–ҳаришлик, ахлоқий бузуқлик, 20 бутпарастлик,
фолбинлигу иссиқ–совуқ қилишлар, душманлик, жанжалкашлик, рашк,
жаҳлдорлик, ғаламислик, низолару ҳар хил гуруҳларга бўлиниш, 21 бахиллик,
ичкиликбозлик*, айш–ишратга берилиш ва шуларга ўхшаш ишлар. Сизларни
олдин огоҳлантиргандим, яна огоҳлантиряпман: бундай ишларни қилувчилар
Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайди.

22 Руҳнинг самараси эса қуйидагилардир: муҳаббат, севинч, хотиржамлик,
сабр–тоқат, меҳрибонлик, эзгулик, ишонч, 23 мулойимлик ва ўзини тута билиш. Бу
хислатларга қарши бирон қонун йўқ. 24 Исо Масиҳга тегишли бўлганлар
ўзларининг худбин истакларини ва эҳтиросларини хочга михлаб қўйганлар. 25 Руҳ
ҳаётимиз манбаи экан, энди Руҳнинг етакчилиги остида ҳаёт кечиришимиз
лозим. 26 Шуҳратпараст бўлмайлик, бир–биримизни гижгижламайлик, бахиллик
қилмайлик.

6–БОБ

Бир–бирингизни қўллаб–қувватланглар

1 Эй биродарлар, дейлик, орангиздан бирортаси гуноҳ қилиб қўйганини билиб
қолдингиз. Сизлар — Руҳнинг етакчилигида ҳаёт кечираётганлар уни
мулойимлик билан тўғри йўлга солинглар. Ўзингизга эҳтиёт бўлинглар, тағин
ўзингиз ҳам васвасага йўлиқиб қолманглар. 2 Бошингизга ғам–ташвиш тушганда,
бир–бирингизни қўллаб–қувватланглар. Шундай қилсангизлар, Масиҳнинг
амрларини бажарган бўласизлар. 3 Ахир, бирор киши, гарчи ўзи ҳеч ким

бўлмаса–ю, ўзини муҳим деб ҳисобласа, ўзини ўзи алдаган бўлади. 4 Ҳар ким ўз
ишини текшириб кўрсин. Шунда у фақат ўзидан фахрланса бўлади, ўзини
бошқалар билан солиштиришга ҳожат бўлмайди. 5 Зотан, ҳар ким ўз аравасини
ўзи тортиши лозим. 6 Каломдан таълим олувчи эса бор–йўғини устози билан
баҳам кўриши керак.
7 Ўзларингизни алдаманглар! Худони лақиллатиб бўлмайди. Инсон нима экса,
шуни ўриб олади. 8 Худбин истакларини қондириш учун уруғ экканлар ўша
худбин истаклари туфайли ҳалокатни ўриб оладилар. Руҳни мамнун қилиш учун
уруғ экканлар эса Руҳдан абадий ҳаёт ўриб оладилар. 9 Шундай экан, яхшилик
қилишдан чарчамайлик. Агар ҳолдан тойиб қолмасак, ўз вақтида бунинг
ҳосилини ўриб оламиз. 10 Демак, ҳали фурсат бор экан, ҳаммага, айниқса, Масиҳ
хонадонига тегишли бўлганларга яхшилик қилаверайлик.

Муҳими янгидан яратилишдир

11 Мана қаранглар, энди сизларга ўз қўлим билан*, қандай йирик ҳарфлар
билан ёзяпман! 12 Сизларни суннат бўлишга мажбур қилаётганлар сиртдан яхши
таассурот қолдирмоқчи бўляптилар. Масиҳнинг хочи учун қувғинга дучор
бўлмайлик, дея шундай қиляптилар. 13 Ҳолбуки, суннатни татбиқ
қилаётганларнинг ўзлари ҳам қонунга* риоя этмайдилар. Улар фақатгина
сизларнинг суннат қилинганингиз билан мақтанишни истайдилар. 14 Мен эса
Раббимиз Исо Масиҳнинг хочидан бошқа ҳеч нарса билан мақтанмайман. Ўша хоч
туфайли бу дунё мен учун ўлган, мен эса бу дунё учун ўлганман. 15 Ахир, суннат
қилинган ёки қилинмаганликнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Муҳими — янгидан
яратилишдир*. 16 Бу қоидага кўра, яшаётганларнинг ҳаммасига, яъни Худонинг
ҳақиқий халқига тинчлик ва марҳамат ёр бўлсин!
17 Энди ҳеч ким менга азият келтирмасин. Ахир, танамдаги чандиқлар* Исога
тегишли эканлигимни кўрсатадиган тамғалар–ку!
18 Эй биродарлар, Раббимиз Исо Масиҳнинг иноятиси сизларга ёр бўлсин. Омин.

ИЗОҲЛАР

1:17 *...дарҳол Арабистонга жўнадим. Ундан кейин яна Дамашққа қайтдим* — Павлус Дамашққа кетаётган пайтда Исо унга зоҳир бўлган (Ҳаворийлар 9:1-19 га қаранг). Шундан кейин Павлус Дамашқдан Арабистонга борган. У Арабистоннинг бир қисми бўлган Набатея шоҳлигида (4:25 изоҳига қаранг) истиқомат қилган бўлиши мумкин. Набатея Дамашқдан жанубда жойлашган бўлиб, пойтахти Петра шаҳри эди. Павлус Арабистонда ўтказган вақт ҳақида Янги Аҳдда бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Павлус Арабистондан Дамашққа қайтиб келгач, у ердаги синагогаларда Исо Масиҳ ҳақида ваъз қила бошлаган (Ҳаворийлар 9:19-22 га қаранг).

1:18 *Уч йилдан кейин* — Исо Павлусга зоҳир бўлгандан кейин ўтган уч йил вақт назарда тутилган бўлиши мумкин. Ёки Павлус Арабистондан Дамашққа қайтиб келгандан кейинги уч йил вақт назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Шу бобнинг 17–ояти изоҳига қаранг.

1:18 *Бутрус* — юнонча матнда *Кифас*, Бутруснинг орамийча исми (Юҳанно 1:42 га қаранг).

1:18 *...Қуддусга бордим* — Ҳаворийлар 9:26-30 да айтиб ўтилган сафарга ишора бўлса керак.

1:19 *Ёқуб* — Исо танлаган ўн икки ҳаворийдан бири бўлган Ёқуб эмас, балки Қуддусдаги жамоатнинг етакчиси ва Исонинг укаси Ёқуб назарда тутилган (Марк 6:3, Ҳаворийлар 15:13, 21:18 га қаранг).

1:21 *...Сурия ва Киликия ҳудудларига бордим* — Сурия ва Киликия Рим империясига қарашли битта вилоятни ташкил қилган. Павлус туғилган Тарсус шаҳри Киликияда жойлашган эди. Павлус аввал Тарсусга, кейин Суриядаги Антиохия шаҳрига таълим бериш учун борган (Ҳаворийлар 9:30, 11:25-26 га қаранг).

2:1 *Барнабо* — илк жамоатнинг етакчиси. Ҳаворий Павлус фаолиятининг бошида унга ҳамкор бўлган (Ҳаворийлар 4:36, 9:26-27, 11:25-26, 13:1-3 га қаранг).

2:1 *...яна Қуддусга бордим* — Ҳаворийлар 11:27-30 да айтиб ўтилган сафарга ишора бўлиши мумкин.

2:1 *Титус* — Павлуснинг ҳамкори ва ёрдамчиси (2 Коринфликлар 8:23, Титус 1:4-5 га қаранг).

2:9 *Ёқуб* — 1:19 изоҳига қаранг.

2:9 *Бутрус* — юнонча матнда *Кифас*, Бутруснинг орамийча исми (Юҳанно 1:42 га қаранг). Шу бобнинг 11, 14–оятларида ҳам бор.

2:10 *...камбағалларга ғамхўрлик қилишни давом эттиринглар...* — Ҳаворийлар 11:27-30 га қаранг.

2:11 *Бутрус Антиохия шаҳрига келганда...* — биринчи бўлиб кўп ғайрияҳудийлар Антиохия шаҳрида Исо Масиҳга имон келтирган эдилар (Ҳаворийлар 11:19-26 га қаранг). Бутрус Антиохияга Қуддусдаги жамоат йўлбошчилари йиғилишидан олдин (Ҳаворийлар 15:1-31 га қаранг), аммо Павлус ва Барнабо Хушхабар ёйиш мақсадида қилган биринчи сафаридан кейин борган бўлса керак (Ҳаворийлар 14:26-28 га қаранг).

2:12 *суннат тарафдори бўлганлар* — Исо Масиҳга ишонган яҳудийлар бўлиб,

улар Мусо қонунларига, айниқса суннат ҳақидаги амрига қатъий амал қилишарди. Суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

2:16 *қонун* — Эски Аҳдга, хусусан, Тавротга ишора.

2:17 *ғайрияҳудийлар қатори гуноҳкор эканлигимиз* — яҳудийлар ҳамма ғайрияҳудийларни гуноҳкор деб ҳисоблардилар, чунки ғайрияҳудийлар Таврот қонунларига риоя қилмасдилар. Шунинг учун яҳудийларнинг назарида Таврот қонунларига риоя қилмай қўйган ҳар қандай яҳудий ҳам ғайрияҳудийлар каби гуноҳкор бўлиб қоларди.

2:18 *...мен яна қонунбузар бўлиб қоламан* — бу сўзларнинг моҳияти шундаки, агар одам Таврот қонунларига қайта риоя қилишни бошласа, у яна қонунбузар бўлиб қолади, чунки ҳеч ким қонунларни тўлиқ бажара олмайди (3:10-11, 5:3 га ва Ёқуб 2:10, Римликлар 4:15 га қаранг).

2:19 *Ахир...қонун учун ўлганман* — Римликлар 7:1-6 га қаранг.

3:1 *Ким сизларни сеҳрлаб қўйди?* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ҳақиқатга бўйсунмаслигингиз учун сизларни ким сеҳрлаб қўйди?*

3:2 *қонун* — 2:16 изоҳига қаранг.

3:6 Ибтидо 15:6 га қаранг.

3:8 Ибтидо 12:3 га қаранг.

3:10 Муаллиф бу ўринда Қонунлар 27:26 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

3:11 *...солиҳ инсон имон туфайли ҳаётга эга бўлади* — Хабаққуқ 2:4 га қаранг.

3:12 *...қонунда...ваъда қилинган* — Левилар 18:5 га қаранг.

3:13 Қонунлар 21:23 га қаранг.

3:16 *зурриётларинг* — юнонча сўзнинг сўзма–сўз таржимаси. Юнон тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам, одатда бу сўз кўплик шаклида ишлатилмайди.

3:16 *“Сенинг зурриётингга”* — Ибтидо 12:7 га қаранг. Бу ўринда ишлатилган юнонча сўз, Ибтидо китобидаги ибронийча сўз сингари, Иброҳимнинг бутун авлодига ёки авлодидан келиб чиқадиган зурриётининг бирига ишора қилиши мумкин.

3:17 *430 йил* — Чиқиш 12:40-41 га қаранг.

3:19 *Иброҳимнинг ваъда қилинган Зурриёти* — яъни Исо Масиҳ.

3:19 *фаришталар томонидан* — Қонунлар 33:2-4, Ҳаворийлар 7:53, Ибронийлар 2:2 га қаранг.

3:19 *воситачи* — яъни Мусо.

3:22 *...бутун борлиқ гуноҳнинг тутқунидир* — Римликлар 3:9-20 га қаранг.

3:28 *юнон* — яъни ғайрияҳудий. Ўша даврда *юнон* сўзи миллати юнон бўлган одамга нисбатан ҳам, юнон тилида гапириб, юнон урф–одатларига риоя қиладиган одамга нисбатан ҳам ишлатилган.

4:3 *Хурофот кучлари* — яна Колосаликлар 2:8, 20-23 га қаранг.

4:4 *қонун* — 2:16 изоҳига қаранг.

4:6 *“Отажон”* — юнонча матнда *“Абба, Ота”*. Абба сўзи орамийчада ота

деганидир. Худо имонлилар билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлгани учун, улар Худога “Ота” деб мурожаат қиладилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

4:17 *Баъзи бировлар сизларни ўзларига оғдириб олишга тиришмоқдалар* — 1:6-9, 3:1-3 га қаранг.

4:22 *чўри* — яъни Ҳожар, Исмоилнинг онаси (Ибтидо 16:1-15 га қаранг).

4:22 *озод аёл* — яъни Сора, Исҳоқнинг онаси (Ибтидо 18:10-14, 21:1-3 га қаранг).

4:24 *Худонинг икки аҳди* — Худо Мусо орқали берган аҳдга (Чиқиш 19:1-8, 24:1-8 га қаранг) ҳамда Иброҳимга берган аҳдга ишора (Ибтидо 12:1-7 га қаранг). Биринчисига мувофиқ, инсон Мусонинг қонунига итоат қилиб яшайди. Иккинчисига мувофиқ эса, инсон имон ва Муқаддас Руҳнинг қудрати билан яшайди (3:2-3, 15-18 га қаранг).

4:25 *Арабистондаги Синай тоғини* — ўша даврларда Набатея шоҳлиги Арабистон деб ҳам аталар эди, аммо Арабистоннинг бир қисми эди. Бу шоҳлик Синай ярим оролини ўз ичига олган эди.

4:27 Ишаё 54:1 га қаранг.

4:29 *табиий йўл билан туғилган ўғил* — яъни Исмоил.

4:29 *Руҳнинг кучи билан туғилган ўғил* — яъни Исҳоқ.

4:30 Ибтидо 21:10 га қаранг.

5:1 *бўйинтуруқ* — итоаткорлик ва бўйсуниш рамзи.

5:2 *...агар сизлар суннат қилинсангиз...* — Павлус бу ўринда Худога манзур бўлиш учун суннат қилиниш керак, деб ўйлаган одамларга мурожаат қиляпти. Павлуснинг ўзи суннатга қарши бўлмаган, аммо нажот топиш учун суннат қилиниш керак, деган таълимотга қатъиян қарши эди (Ҳаворийлар 15:1-2 га қаранг).

5:3 *қонун* — 2:16 изоҳига қаранг.

5:9 *хамиртуруш* — мажозий маънода ишлатилган бўлиб, одатда бошқаларга салбий таъсир кўрсатадиган таълимотлар ва хулқ–атвор назарда тутилган.

5:12 *сизларни чалғитаётганлар* — 1:6-9, 3:1-3, 4:17 га қаранг.

5:14 Левилар 19:18 га қаранг.

5:16 *...Руҳ етакчилигида ҳаёт кечиринг, шунда худбин истакларингизни қондирмайсиз* — Римликлар 8:5-13 га қаранг.

5:21 *...бахиллик, ичкиликбозлик...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бахиллик, қотиллик, ичкиликбозлик*.

6:11 *...ўз қўлим билан...* — 1 Коринфликлар 16:21 изоҳига қаранг.

6:13 *қонун* — 2:16 изоҳига қаранг.

6:15 *янгидан яратилиш* — 2 Коринфликлар 5:17 га қаранг.

6:17 *танамдаги чандиқлар* — Павлуснинг Исо Масиҳга бағишланган ҳаворий сифатида қилган хизмати жараёнида яралангандан қолган чандиқларига ишора (мисол учун, Ҳаворийлар 14:19 га қаранг).

ПАВЛУСНИНГ
ЭФЕСЛИКЛАРГА
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус бу мактубини қамоқда бўлган пайтда* Эфес шаҳридаги имонлилар жамоатига ёзган. Эфес шаҳри Рим империясидаги Асия вилоятининг маркази бўлиб, муҳим аҳамиятга эга эди. Бу бандаргоҳ шаҳар ҳозирги Туркиянинг ғарбида, Эгей денгизи бўйида жойлашган. Павлус Хушхабарни ёйиш ва таълим бериш мақсадида бир неча марта Эфесга борган, у ерда икки йил яшаган.

Ушбу мактубда янги аҳд илоҳиётининг асослари батафсил ва изчил тарзда баён қилинади. Павлус бу мактубида имонлиларга Масиҳда пинҳон бўлган ақл бовар қилмас илоҳий бойлик ҳақида ёзади, масиҳийларни кундалик ҳаётларида ўша руҳий манбадан фойдаланишга чақиради. Биз савоб ишларимиз туфайли эмас, иноят туфайли нажот топганимизни, Худога ҳамду санолар айтиш учун яралганимизни бизга эслатади. Буларнинг ҳаммасида Худо ягона мақсадни кўзлайди: У еру осмондаги бор мавжудотни Масиҳнинг ҳокимияти остига бирлаштирмоқчи эканини айтади (1:10 га қаранг). Худо бу режасини амалга оширишни масиҳийлар жамоатидан бошлайди. Исо Масиҳнинг тўкилган қони туфайли жамоат Худо билан ярашиб, якдилликка эришади. Жамоатнинг якдиллиги орқали Худо бутун борлиққа Ўз донолигию улуғворлигини намоён қилади. Мактубда ишлатилган метафоралар Худонинг жамоати Масиҳга тегишли эканини кўрсатади. Масалан, жамоат бир тана бўлса, Масиҳ унинг бошидир, жамоат бино бўлса, Масиҳ унинг тамал тошидир.

Мактубнинг дастлабки қисмида (1-3–боблар) самода биз учун сақланган руҳий баракалар ҳақида ёзилган. Худо Ўз халқини танлагани, Исо Масиҳ орқали уларни кечириб, гуноҳларидан халос этгани, қут–баракаларга кафил сифатида уларга Муқаддас Руҳни бергани баён этилади. Павлус масиҳийларни дуо қилиб, улар учун Худога ёлворади. Унинг ниҳоятда гўзал ва чуқур мазмунга эга бўлган бу мумтоз ибодатлари одамларга ёд бўлиб кетган (1:15-23, 3:14-21 га қаранг).

Мактубнинг сўнгги қисмида (4-6–боблар) Павлус имонлиларга насиҳатлар қилади. Уларни Масиҳга муносиб ҳаёт кечиришга, Худонинг фарзанди деган номга лойиқ тарзда яшашга ундайди. Бир вақтлар улар зулматга ғарқ бўлган эдилар, энди эса улар нурга тўла инсонлар каби яшаши лозим. Мана шу нур уларнинг ҳаёт тарзида акс этиб туриши керак. Шунингдек, Павлус эр–хотинлик муносабатлари, ота–она ва фарзандлар, хўжайин ва қул муносабатлари ҳақида таълим беради. Павлус мазкур мактубини якунлар экан, ёвуз руҳий кучларга қарши курашиш ҳақида сўз юритади. Масиҳийларни Худо берган қурол–аслаҳалар билан қуролланиб, иблиснинг ҳийлаларига қарши туришга чақиради. Уларни ҳар қандай шароитда Муқаддас Руҳга таяниб дуо–ибодат қилишга, ҳушёр ва саботли бўлишга даъват қилади.

1–БОБ

Дуойи салом

[1] Худонинг иродаси билан Исо Масиҳнинг ҳаворийси бўлган мен — Павлусдан

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Исо Масиҳга содиқ бўлган* Эфес шаҳридаги Худонинг азизларига салом! 2 Отамиз
Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Худонинг илоҳий режаси

3 Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин. У самодаги
барча руҳий баракаларни Масиҳ орқали бизларга берди. 4 Масиҳга тегишли
бўлишимиз учун Худо бизни дунё яратилишидан олдин танлади. Энди биз
Худонинг олдида муқаддас ва бенуқсон, бир–биримизга меҳр боғлаган инсонлар
бўла оламиз. 5 Худо* бизни Исо Масиҳ орқали Ўзига фарзанд қилиб олишни
азалданоқ қарор қилган эди. Худонинг хоҳиш–иродаси шу бўлиб, бундан У
ҳузур–ҳаловат топди. 6 Худо Ўзининг суюкли Ўғли орқали бизга буюк иноят
кўрсатгани учун Унга ҳамду санолар бўлсин.

7-8 Масиҳнинг тўкилган қони орқали Худо бизни кечириб, гуноҳларимиздан
озод қилди. Шундай қилиб, Худо бизнинг ҳаётимизни тўлдирган иноят
қанчалик бой эканлигини кўрсатди. У бизга донолигу ақл–идрок ато этди. 9 Ўз
иродасининг сирини* маълум қилди. Бу иродаси Исо Масиҳ орқали бажо
бўлишини Худо олдиндан режалаштирган эди ва бундан У ҳузур–ҳаловат топди.
10 Худо бу режасини Ўзи белгилаган вақтда тўла амалга ошириб, еру осмондаги
бор мавжудотни Масиҳнинг ҳокимияти остига бирлаштиради. 11 Биз Масиҳ
орқали Худонинг халқи бўлдик*. Бу Худонинг азалдан белгилаган режаси бўйича
амалга ошди. Ахир, Худо ҳар бир нарсани Ўз хоҳиш–иродаси бўйича амалга
оширади.

12 Шундай экан, биз ҳаммамиз — Масиҳга умид боғлаганлар Худога
шон–шуҳрат келтириш учун яшашимиз лозим. 13 Сизлар ҳақиқат каломи, яъни
нажот келтирган Хушхабарни эшитган эдингиз. Шу туфайли Масиҳга имон
келтирган эдингиз. Худо ваъда қилган Муқаддас Руҳини сизларга бериб, Ўзига
тегишли эканлигингизни тасдиқлади. 14 Муқаддас Руҳ биз келажакда оладиган
қут–баракаларга кафил сифатида берилди. Ҳа, вақти келиб*, Худо Ўзига тегишли
бўлганларни бутунлай озод қилади. Шуларнинг ҳаммаси Худога шон–шуҳрат
келтиради.

Шукрона ибодати

15 Раббимиз Исога бўлган имонингиз ва Худонинг азиз халқига бўлган
меҳр–муҳаббатингиз ҳақида эшитганимдан бери, 16 сизлар учун ибодат
қилганимда, тинмай Худога шукурлар айтаман. 17 Раббимиз Исо Масиҳнинг
Худоси, улуғ Отамиз, Ўзини таниб–билишингиз учун Муқаддас Руҳ орқали сизга
донолик ва ақл–идрок ато қилсин. 18 Худо сизларнинг қалбингизни нурга
тўлдирсин, токи Худо сизларни даъват қилиб, сизларга қандай умид
берганлигини, Худонинг халқи У учун нақадар бой мулк* эканлигини тушуниб
олинглар. 19 Худонинг биз — имонлиларга кўрсатган тенги йўқ қудрати нақадар
буюклигини ҳам билиб олинг. Мана шу буюк қудрати билан 20 Худо Масиҳни
ўликдан тирилтирди ва самода Уни Ўзининг ўнг томонига ўтирғизди*. 21 Исони
Худо у дунёю бу дунёдаги ҳар бир ҳокимият ва ҳукмронлик, ҳар қандай куч ва
салтанат, ҳар бир мавжудотдан устун қилди. 22 Бутун борлиқни Исонинг оёқлари
остига тобе қилди. Уни бутун борлиқдан юқори қўйиб, имонлилар жамоатига
бош қилди. 23 Имонлилар жамоати Масиҳнинг танасидир. Борлиқни ҳар жиҳатдан
бутун қиладиган Масиҳ жамоатни баркамол қилади.

2–БОБ

Худонинг инояти туфайли ҳаётга эришиш

1 Сизлар бир вақтлар гуноҳлару айбларингиз туфайли руҳан ўлик эдингизлар.
2 Сизлар бу дунёнинг одатлари бўйича, ёвуз руҳий кучларнинг ҳокими бўлган
шайтонга бўйсуниб, гуноҳга ботиб яшардингиз. Худога итоат қилмай
яшаётганларнинг юракларида амал қилаётган шайтондир. 3 Биз ҳам бир вақтлар
худбин истакларимизни қондириб яшар эдик. Тана эҳтиросларига ва бемаъни
ўй–хаёлларга берилиб яшайдиган, барча одамзод каби, табиатан Худонинг
қаҳр–ғазабига лойиқ бўлган итоатсиз инсонлар эдик. 4 Аммо меҳр–шафқатга бой
Худо Ўзининг бизга бўлган буюк муҳаббатини қуйидагича кўрсатди: 5 гарчи биз
гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни Масиҳ билан бирга
тирилтирди. Биз Худонинг инояти туфайли қутқарилганмиз. 6 Худо бизни Масиҳ
билан бирга тирилтирди ва бизга самода У билан бирга жой берди. Булар Исо
Масиҳ туфайли амалга ошди. 7 Худонинг инояти беҳад мўл эканлиги то абад
намоён бўлиши учун, У бизга Исо Масиҳ орқали меҳр–шафқат кўрсатди. 8 Ахир,
сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг
инъомидир, сизнинг ютуғингиз эмас. 9 Яна ҳеч ким: “Мен савоб ишларим туфайли
қутулганман”, деб мақтанмасин. 10 Ахир, биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни
хайрли ишлар қилишимиз учун Исо Масиҳ орқали яратди, бу ишларни биз учун
азалданоқ тайёрлаб қўйган эди.

Исо Масиҳ орқали халқлар бирлашади

11 Эсингизда бўлсин, суннат қилинган яҳудийлар* бир вақтлар сиз —
ғайрияҳудий бўлганларни “суннатсиз”* деб атардилар. Ваҳоланки,
яҳудийларнинг суннати фақатгина жисмоний суннат эди. 12 Ўша пайтда сизлар
Масиҳни билмас эдингизлар, Исроил халқига тегишли эмасдингиз. Худонинг
Исроил халқи билан тузган аҳдларига* ва берган ваъдаларига бегона бўлиб, бу
дунёда умидсиз ва Худосиз яшар эдингиз. 13 Сизлар олдин Худодан узоқ эдингиз,
энди эса Исо Масиҳ орқали, Унинг тўкилган қони туфайли Худога
яқинлашдингиз.
14-15 Масиҳнинг Ўзи бизнинг тинчлик манбаимиздир. У Ўз танасини фидо
қилиб, яҳудийлар ва ғайрияҳудийларни бирлаштирди, уларнинг орасидаги
адоват деворини қулатди. Исо Масиҳ яҳудийларга берилган қонунни ва унинг
амрларию қоидаларини бекор қилди. Масиҳ туфайли ғайрияҳудийлар билан
яҳудийлар бирлашиб, янги бир халқ бўлдилар, шундай қилиб Масиҳ тинчлик
ўрнатди. 16 Хочдаги ўлими орқали Масиҳ ғайрияҳудийларни ҳам, яҳудийларни
ҳам Худо билан яраштирди–да, уларнинг орасидаги адоватни йўқ қилди. 17 Масиҳ
келиб, сизларга — олдин Худодан узоқ бўлганларга ҳам, Худога яқин бўлганларга
ҳам тинчлик Хушхабарини эълон қилди. 18 Масиҳ туфайли энди ҳаммамиз бир Руҳ
орқали Отамиз Худонинг ҳузурига кира оламиз.
19 Демак, сизлар энди бегона ҳам, келгинди ҳам эмассизлар, балки Худонинг
азиз халқи қаторидасиз, Унинг хонадони аъзоси бўлдингизлар. 20 Сизлар худди
бир бинодайсизлар. Бу бинонинг асоси ҳаворийлару пайғамбарлардир*.
Бинонинг тамал тоши* эса Исо Масиҳнинг Ўзидир. 21 Бу иморат Раббимиз Исо
Масиҳ орқали бир бўлиб, юксалиб боради ва Унга бағишланган муқаддас маъбад
бўлади. 22 Исо Масиҳга тегишли бўлганингиз учун сизлар ҳам бу иморатнинг бир
қисмисиз. Бу иморатни Худонинг Руҳи Ўзига маскан қилиб олади.

3–БОБ

Худо сирли режасини аён қилади

1 Мана, Исо Масиҳ ҳақи сиз — ғайрияҳудийларга қилган хизматим сабабли
маҳбус* бўлганман. 2 Худо Ўз иноятини сизларга етказиш вазифасини менга
топширди. Сизлар албатта бу ҳақда эшитгансизлар. 3 Юқорида қисқача
ёзганимдай, Худо бу сирни менга ваҳий орқали маълум қилди. 4 Сизлар
ёзганларимни ўқиб, Масиҳ ҳақидаги сирни қандай фаҳмлаганимни тушуниб
оласизлар. 5 Бу сир олдинги наслларга аён қилинмаган эди. Энди эса Муқаддас Руҳ
орқали Худонинг муқаддас ҳаворийлари ва пайғамбарларига* аён қилинди. 6 Бу
сирнинг моҳияти қуйидагичадир: ғайрияҳудийлар ҳам Хушхабарга ишониб, Исо
Масиҳ орқали Худо Ўз халқига ато қиладиган баракаларга шерик бўладилар. Улар
билан бирга бир тана аъзолари* бўлиб, Худонинг Ўз халқига берган ваъдасидан
баҳраманд бўладилар.

7 Хушхабарни тарқатиш хизмати менга Худонинг инояти бўйича топширилди.
Бу иноятни Худо менга Ўзининг куч–қудрати орқали берди. 8 Мен Худонинг
азизлари орасида энг арзимагани эдим. Масиҳнинг ақл бовар қилмас бойлиги
ҳақидаги Хушхабарни ғайрияҳудийларга етказишим учун менга Худонинг инояти
берилди. 9 Худонинг сирли режасини энди ҳаммага ошкор қилиш вазифаси менга
юкланди. Бутун борлиқни* яратган Худо бу сирни асрлар давомида пинҳон
тутган эди. 10 Ўзининг кўп қиррали донолиги имонлилар жамоати орқали
самовий кучлару салтанатларга маълум бўлиши учун Худо шундай қилди.
11 Худонинг Раббимиз Исо Масиҳ орқали рўёбга чиқарган азалий мақсади шу эди.

12 Биз Исо Масиҳ туфайли ва Унга бўлган имонимиз туфайли Худонинг
ҳузурига дадиллик ва тўла жасорат билан яқинлашиш имконига эгамиз.
13 Шундай экан, сизлардан ўтинаман, менинг азоб–уқубатларимни деб, руҳингиз
ҳеч тушмасин. Аксинча, сизлар учун чеккан азоб–уқубатларим билан
фахрланинглар.

Павлуснинг ибодати

14 Юқорида айтиб ўтганларим ҳақида ўйлаганимда, самовий Отамиз* олдида
тиз чўкиб, ибодат қиламан. 15 Ер юзидаги ва осмону фалакдаги ҳар бир
жонзотнинг ҳаёт манбаи самовий Отадир. 16 Менинг тоат–ибодатларим
қуйидагичадир: Худо Ўзининг улуғвор бойлиги билан сизларга куч–қудрат бериб,
Ўз Руҳи билан ички борлиғингизни бақувват қилсин. 17 Имонингиз орқали Масиҳ
юрагингиздан жой олсин. 18-19 Сизлар илдизи чуқур дарахтдай бўлинг, Худонинг
севгиси сизларни барқарор қилсин. Худонинг барча азизлари билан бирга,
Масиҳнинг ақл бовар қилмас севгиси қанчалик кенг, қанчалик чексиз, қанчалик
юксак ва теран эканлигини тўла англаб, билиб олинглар. Шунда ҳаётингиз
Худонинг камолотига тўлиб–тошади.

20 Худо ҳаётимизда амал қилаётган қудрати билан биз сўраган ёки тасаввур
қилганларимизни ва ҳатто хаёлимизга келмаганларни ҳам бажаришга қодирдир.
21 Имонлилар жамоати ва Исо Масиҳ орқали Худога насллар оша то абад
шон–шарафлар бўлсин! Омин.

4–БОБ

Имонлиларнинг бирлиги ва янги ҳаёти

1 Раббимиз Исо ҳақи маҳбус* бўлган мен — Павлус сизлардан ўтиниб
сўрайман: Худо сизларни Ўзига даъват қилганини ёддан чиқармай, шу даъватга

муносиб тарзда яшанглар. 2 Доимо камтар ва мулойим бўлинглар, меҳр–муҳаббат
билан бир–бирингизга нисбатан сабр–тоқатли бўлинглар. 3 Ўзаро тинч–тотув
яшаб, Муқаддас Руҳ ато қилган бирдамликни сақлашга жон куйдиринглар.
4 Ҳаммамиз бир тананинг аъзоларимиз*, қалбимиздаги Муқаддас Руҳ ҳам бирдир.
Шунингдек, Худо бизни даъват қилиб, ҳаммамизга берган умид ҳам бирдир.
5 Раббимиз бир, имонимиз ҳам бирдир, бир мақсадда сувга чўмдирилганмиз.
6 Барчамизнинг Отамиз Худо бирдир. У ҳаммамиздан устун бўлиб, ҳаммамиз
орқали Ўз иродасини бажо қилади. У ҳаммамизнинг орамиздадир. 7 Масиҳ Ўз
иноятига кўра, ҳар биримизга турли хил инъомлар берган. 8 Мана, Муқаддас
битикларда қуйидагича ёзилган:

> “Юксакларга чиқди У,
> Асирларни ортидан эргаштирди.
> Инсонларга ҳадялар берди.”*

9 У юксакларга чиқди деган сўзлар нимани билдиради? У олдин пастга — ер
юзига тушгандан бошқа нимани билдириши мумкин?! 10 Пастга тушган Зот,
коинотни ҳар жиҳатдан бутун қилай деб, фалак тоқидан ҳам юқорироққа чиқди.
11 Масиҳ баъзиларни ҳаворий, баъзиларни эса пайғамбар, баъзиларни
Хушхабар воизи, яна бошқаларни жамоатларнинг чўпонларию устозлари қилиб
тайинлади, 12 токи улар Худонинг азиз халқини хизмат қилишга тайёрласинлар.
Шунда Масиҳнинг танаси, яъни жамоат имонда мустаҳкам туради. 13 Бунинг
натижасида ҳаммамиз имонда якдил, Худонинг Ўғли Масиҳни таниб–биладиган,
Унинг камолига эришган етук одамлар бўламиз. 14 Шунда биз норасида
гўдакларга ўхшамаймиз, шамол эсган томонга эгиладиган новдадай бўлмаймиз.
Ҳар хил таълимотлар ва қув одамларнинг ҳийлаю айёрликларига лаққа
тушавермаймиз. 15 Келинглар, меҳр–муҳаббат билан ҳақиқатни айтиб,
жамоатнинг боши бўлган Масиҳга ўхшаб ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлайлик.
16 Унинг бошчилигида бутун бадан паю бўғинлар ёрдамида ўзаро уланади ва
бирикади. Ҳар бир аъзо ўз вазифасини бажарар экан, бутун бадан ўсиб боради ва
меҳр–муҳаббат туфайли бақувват бўлади.
17 Шундай экан, Раббимиз Исонинг номидан қатъий тайинлаб, сизларга
айтаман: энди худосиз одамлардай яшаманглар, улар сингари беҳуда
ўй–хаёлларга берилманглар. 18 Уларнинг онгларини зулмат қоплаган, улар Худо
берадиган янги ҳаётга бегонадирлар, чунки улар бағри тош бўлиб, жаҳолатда
қолганлар. 19 Улар ҳар қандай ор–номус туйғусини йўқотиб, фисқу фужурга
берилганлар, ҳар хил ифлос ишларни иштиёқ билан қиладилар. 20 Аммо сизлар
Масиҳдан бундай ишларни ўрганмагансиз. 21 Сизлар Масиҳнинг сўзларини
эшитиб, Унинг таълимотини олгансизлар, чунки ҳақиқат Масиҳда жамдир.
22 Олдинги яшаш тарзингизга тобе бўлманг, эски ўзлигингиздан воз кечинг,
чунки у алдовчи эҳтиросlар туфайли бузилиб кетган. 23 Янгичасига фикр–зикр
қиладиган бўлинглар. 24 Худонинг суратида яратилган, ҳақиқий солиҳлик ва
муқаддасликдан иборат бўлган янги табиатга бурканинглар.

Янги ҳаёт учун йўл–йўриқлар

25 Энди ёлғон гапиришни бас қилиб, ҳар биринғиз ўз яқинингизга ҳақиқатни
айтинглар, ахир, ҳаммамиз бир тананинг аъзоларимиз–ку. 26 Ҳатто
ғазабланганингизда ҳам гуноҳ қилманглар*. Қуёш ботгунча жаҳлдан тушинглар.
27 Иблисга фурсат бермanглар. 28 Олдин ўғри бўлган энди ўғрилик қилмасин,
балки ишласин, ўз қўллари билан меҳнат қилсин. Шунда муҳтожларга ҳам

топган–тутганидан ёрдам бера олади. 29 Оғзингиздан ҳеч қандай ярамас сўз
чиқмасин. Лекин тингловчиларнинг эҳтиёжига кўра, керакли гапларни айтиб,
уларга далда беринг, шунда сўзларингиз уларга фойда келтиради.
30 Худонинг Муқаддас Руҳини хафа қилманглар, чунки Муқаддас Руҳ
сизларнинг Худога тегишли эканингизнинг ҳамда бир кун келиб*, бутунлай озод
бўлишингизнинг далилидир. 31 Ҳар қандай гина–кудурат, қаҳру ғазаб,
жанжалкашлик, ғийбатчиликни ҳамда бошқа ҳар хил ёмонликларни ўзингиздан
соқит қилинглар. 32 Бир–бирингизга нисбатан кўнгилчан ва меҳр–шафқатли
бўлинглар. Худо сизларни Масиҳ орқали кечиргандай, сизлар ҳам
бир–бирингизни кечиринглар.

5–БОБ

1 Худонинг севикли фарзандлари экансиз, энди Худодан ўрнак олинглар.
2 Масиҳ бизни яхши кўриб, биз учун Ўзини фидо қилди ва шу йўсин Худога маъқул
келадиган қурбонлик бўлди. Сизлар ҳам Исо Масиҳга ўхшаб, худди шундай
меҳр–муҳаббат билан яшанглар. 3 Сизларнинг орангизда фаҳш, зинокорлик,
ифлослик ёки хасислигу очкўзлик ҳатто тилга ҳам олинмасин. Булар Худонинг
азизларига муносиб эмас. 4 Шунингдек, орангизда беадаблик, ножўя сўзлару
қўпол ҳазиллар ҳам бўлмасин, чунки бундай қилиқлар сизларга тўғри келмайди.
Яхшиси, Худога шукур қилинглар. 5 Шуни билиб қўйингларки, ҳеч бир фаҳшбоз,
ифлос ёки хасису очкўз инсон Масиҳнинг ва Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд
бўлмайди, чунки айтиб ўтилганларнинг ҳаммаси бутпарастлик билан тенгдир.
6 Ўшандай гуноҳларни қилишга баҳона излаганлар сизларни қуруқ гаплар
билан алдамасин, чунки Худонинг қаҳр–ғазаби Унга итоатсиз бандаларнинг
бошига тушади. 7 Шунинг учун уларга шерик бўлманглар. 8 Бир вақтлар сизлар
зулматга тўла эдингиз, энди эса Раббимиз Исога тегишли бўлганингиз учун нурга
тўлдингиз. Шундай экан, нурга тўла инсонлар каби яшанглар. 9 Ахир, ҳар қандай
эзгулик, солиҳлик ва ҳақиқат нурнинг* самарасидир. 10 Раббимизга нима мақбул
эканлигини билишга тиришинглар. 11 Зулматнинг бесамара ишларида иштирок
этманглар, аксинча, уларни фош этинглар. 12 Махфий равишда қилинадиган ўша
ишлар ҳақида гапириш ҳам уятдир. 13 Аммо нур порлаганда ҳамма нарса фош
бўлиб, очиқ–ошкор кўринади. Ахир, нур ҳамма нарсани очиқ–ойдин намоён
қилади–ку! 14 Мана шу сабабдан шундай деймиз:

> “Эй ухлаётган, тур!
> Ўликдан тирил!
> Масиҳ сенга нур сочар*.”

15 Шундай қилиб, қай тарзда яшаётганингизга диққат қилинглар. Нодонлар
каби эмас, балки донолардай ҳаёт кечиринглар. 16 Фурсатни ғанимат билинглар,
чунки биз яшаётган бу кунлар ёмонликка тўла. 17 Шунинг учун беақл бўлманглар,
балки Раббимиз Исонинг иродаси нима эканлигини англашга ҳаракат қилинглар.
18 Шароб ичиб маст бўлманглар, чунки бу бузуқликка олиб боради. Аксинча,
Муқаддас Руҳга тўлиб–тошинглар. 19 Бирга йиғилганингизда санолар, руҳий
мадҳиялару қўшиқлар куйланглар. Мусиқа асбобларию хонишларингиз билан
чин юракдан Раббимизга ҳамдлар айтинглар. 20 Ҳар доим, ҳар бир нарса учун
Раббимиз Исо Масиҳ номи билан Отамиз Худога шукур қилинглар.

Оилавий муносабатлар ҳақида насиҳатлар

21 Исо Масиҳни* иззат–ҳурмат қилганингиз учун бир–бирингизга

бўйсунинглар. 22 Эй хотинлар, сиз Раббимиз Исога қандай бўйсунсангиз,
эрларингизга ҳам шундай бўйсуниng. 23 Масиҳ имонлилар жамоатининг боши
бўлгани каби, эр ҳам хотиннинг бошидир. Масиҳ Ўз танаси бўлган жамоатнинг
Нажоткоридир. 24 Жамоат Масиҳга қандай тобе бўлса, хотинлар ҳам ҳар жиҳатдан
ўз эрларига шундай тобе бўлишлари керак. 25 Эй эрлар, Масиҳ жамоатни яхши
кўриб, Ўзини жамоат учун фидо қилганидай, сизлар ҳам хотинларингизни
шундай яхши кўринглар. 26 Масиҳ жамоатни сув* ва Худонинг каломи орқали
поклаб*, муқаддас қилиш ниятида Ўзини фидо қилди. 27 Жамоатни Ўз ҳузурига
келтирганда, жамоат ҳар қандай ғубор, ажин ва доғдан холи бўлиб, улуғвор,
муқаддас ва бенуқсон бўлиши учун Масиҳ Ўз жонини аямади. 28 Эрлар ҳам ўз
хотинларини ўз таналарини севгандай севишлари керак. Ўз хотинини севган
эркак ўзини севган бўлади. 29 Ҳеч ким ҳеч қачон ўз танасини ёмон кўрмайди.
Аксинча, уни озиқлантириб, парвариш қилади. Масиҳ ҳам Ўз жамоатини худди
шундай озиқлантириб, парвариш қилади. 30 Биз Масиҳ танасининг аъзоларимиз*.
31 Муқаддас битикларда шундай ёзилган: “Шунинг учун эркак киши ота–онасидан
бўлак бўлиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи бир тан бўладилар.”* 32 Бу буюк
сирдир, энди бу сир Масиҳ ҳамда жамоатга ҳам тааллуқлидир. 33 Хулласи калом,
ҳар бир эр ўз хотинини ўзини севгандай севсин. Хотин ҳам эрини ҳурмат қилсин.

6–БОБ

1 Эй фарзандлар, Раббимиз Исога тегишли бўлганингиз учун ота–онангизга
итоат қилинглар, чунки шундай қилиш тўғридир. 2-3 Ахир, Худо шундай амр
қилган: “Ота–онангизни ҳурмат қилинг. Ўшанда ер юзида умрингиз узоқ бўлиб,
бахтиёр яшайсиз.”* Ваъда қўшиб берилган биринчи амр ўша амрдир. 4 Эй оталар,
фарзандларингизнинг ғашига тегманг. Уларни Раббимизнинг таълим–тарбияси
билан ўстиринг.

5 Эй қуллар, Масиҳга чуқур иззат–эҳтиром билан, чин юракдан итоат
қилганингиз каби, хўжайинларингизга ҳам шундай итоат қилинглар. 6 Фақатгина
инсонларни мамнун қилиб, хўжа кўрсинга хизмат қиладиган одамларга
ўхшамасдан, Масиҳнинг қуллари каби, чин кўнгилдан Худонинг иродасини
бажаринглар. 7 Инсонларга эмас, балки Раббимиз Исога хизмат қилаётгандек,
бажону дил хизмат қилинглар. 8 Эсингизда тутинг: хоҳ қул, хоҳ эркин бўлсин, ҳар
бир киши қилган яхшилигига яраша мукофотни Раббимиздан олади.

9 Эй хўжайинлар, сизлар ҳам қулларингизга яхши муомалада бўлинглар.
Уларга дўқ–пўписа қилишни бас қилинглар, чунки биласизлар–ку, уларнинг ҳам,
сизларнинг ҳам Хўжайинингиз самода, У тарафкашлик қилмайди.

Ёвузликка қарши кураш

10 Ва ниҳоят, Раббимиз Исо сизнинг қудрат манбаингиз бўлсин, Унинг буюк
қудрати сизларни бақувват қилсин. 11 Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура
олишингиз учун Худо берган барча қурол–аслаҳалар билан қуролланинг. 12 Ахир,
бизнинг курашимиз инсонларга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий
кучларга, руҳий ҳокимият ва ҳукмронликка ҳамда бу қоронғи дунёни
бошқараётган руҳий ҳукмронларга қаршидир. 13 Шу сабабдан, Худонинг
қурол–аслаҳалари билан қуролланинг, деб айтяпман. Шунда ёвузликка тўла
кунларда маҳкам тура оласиз, қуролланиб тайёр турган бўласиз.

14 Ҳушёр туринглар! Белингизга ҳақиқат камарини тақинглар, кўксингизга
солиҳлик совутини кийинглар, 15 тинчлик Хушхабарини ёйиш учун оёғингизга
илдамлик пойабзалини кийинглар. 16 Буларга қўшиб, имон қалқонини қўлга

олинглар. Шу қалқон билан ёвуз шайтоннинг ҳамма алангали ўқларини кучдан қолдирасизлар. 17 Шунингдек, бошингизга нажот дубулғасини кийинглар, Руҳ берадиган, Худонинг каломи бўлган қилични кўтаринглар.

18 Ҳар қандай шароитда Муқаддас Руҳга таяниб дуо–ибодат қилинглар. Ибодатда ҳушёр ва саботли бўлиб, Худонинг барча азизлари учун илтижо қилинглар. 19 Мен учун ҳам ибодат қилинглар. Мен оғзимни очганимда, зарур бўлган сўз менга берилсин, токи қўрқмасдан Хушхабар сирини* баён эта олайин. 20 Шу Хушхабарнинг элчиси бўлганим учун ҳибсдаман*. Элчига лойиқ равишда мен Хушхабарни жасурлик билан эълон қилишим учун ибодат қилинглар.

Сўнгги тилаклар

21 Тихикус сизларга менинг ҳол–аҳволимни, нималар қилаётганимни айтиб беради. У суюкли биродаримиз, Раббимиз Исонинг содиқ хизматкоридир. 22 Мана шу мақсадда, бизнинг аҳволимизни сизларга билдирсин, сизларга далда берсин деб, уни сизларнинг олдингизга юборяпман.

23 Биродарларим, Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга тинчлик, меҳр–муҳаббат ва имон ато қилсин. 24 Раббимиз Исо Масиҳни яхши кўрганларнинг ҳаммасига то абад Худонинг иноятиёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

...қамоқда бўлган пайтда... — 3:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

1:1 *...Исо Масиҳга содиқ бўлган...* — ёки *...Исо Масиҳга имон келтирган....*

1:4-5 *...бенуқсон, бир–биримизга меҳр боғлаган инсонлар бўла оламиз. [5] Худо...* — ёки *...бенуқсон инсонлар бўла оламиз. Бизга муҳаббат кўрсатиб, [5] Худо....*

1:9 *Ўз иродасининг сири* — 3:2-6 га қаранг.

1:11 *...Худонинг халқи бўлдик* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз қуръа бўйича мулк тақсимлаш маъносини билдиради. Бу оятда мажозий маънода ишлатилиб, имонлилар Худонинг бебаҳо мулки эканлигини кўрсатади. Яна шу бобнинг 14, 18–оятларига ва Қонунлар 32:8-9 га қаранг.

1:14 *...вақти келиб...* — охиратда нажот тўлиқ рўёбга чиқадиган вақтга ишора (1 Бутрус 1:5, Римликлар 8:23, 13:11 га қаранг).

1:18 *...Худонинг халқи У учун нақадар бой мулк...* — шу бобнинг 11–ояти изоҳига қаранг.

1:20 *...Уни Ўзининг ўнг томонига ўтирғизди* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

2:11 *суннат қилинган яҳудийлар* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:1-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

2:11 *"суннатсиз"* — бу сўз ғайрияҳудийларнинг Худодан маҳрум бўлиб келганига, Унинг халқи қаторида ҳисобланмаганига урғу беради.

2:12 *аҳдлар* — Худонинг Исроил халқи ва уларнинг ота–боболари билан қилган аҳдларига ишора (Ибтидо 15:18, 17:1-14, Чиқиш 19:1-8, 2 Шоҳлар 7:8-16, Еремиё 31:31-34 га қаранг).

2:20 *ҳаворийлару пайғамбарлар* — Исо Масиҳнинг Хушхабарини ваъз қиладиган ҳаворийларга ва Янги Аҳд давридаги пайғамбарларга ишора (3:5, 4:11-12 га ва 1 Коринфликлар 12:28 га қаранг).

2:20 *тамал тоши* — қадимги пайтларда қурилишда пойдевор учун қўйилган биринчи ва энг муҳим тош ҳисобланарди. Бу тош пойдеворнинг бир бурчагини ҳосил қилиб, бинонинг қолган қисми ўша тошнинг жойлашуви бўйича қуриларди.

3:1 *маҳбус* — бу пайтда Павлус Римда маҳбус бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас (Ҳаворийлар 28:16, 30 га қаранг).

3:5 *Худонинг муқаддас ҳаворийлари ва пайғамбарлари* — 2:20 нинг биринчи изоҳига қаранг.

3:6 *бир тана аъзолари* — 4:4 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

3:9 *Бутун борлиқни...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Исо Масиҳ орқали бутун борлиқни....*

3:14 *самовий Отамиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Раббимиз Исо Масиҳнинг самовий Отаси*.

4:1 *маҳбус* — 3:1 изоҳига қаранг.

4:4 *Ҳаммамиз бир тананинг аъзоларимиз...* — 1 Коринфликлар 12:12-27 га қаранг.

4:8 Муаллиф бу ўринда Забур 67:19 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

4:26 *Ҳатто ғазабланганингизда ҳам гуноҳ қилманглар* — Забур 4:5 га қаранг.

4:30 *...бир кун келиб...* — 1:14 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

5:9 *нур* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Руҳ*.

5:14 *Эй ухлаётган, тур! ...Масиҳ сенга нур сочар* — бу сўзлар илк масиҳийлар куйлаган мадҳиядан олинган бўлиши мумкин.

5:21 *Исо Масиҳ* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худо*.

5:26 *сув* — сувга чўмдирилиш маросимига ишора. Бу маросим қайта туғилиш ва гуноҳдан покланиш рамзидир (Юҳанно 3:5-7, Ҳаворийлар 22:16, 1 Бутрус 3:21 га қаранг).

5:26 *...Худонинг каломи орқали поклаб...* — Юҳанно 15:3, 1 Бутрус 1:22-25 га қаранг.

5:30 *аъзоларимиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *аъзоларимиз, Унинг эту суягимиз*.

5:31 Ибтидо 2:24 га қаранг.

6:2-3 Қонунлар 5:16 га қаранг.

6:19 *Хушхабар сири* — 3:2-6 га қаранг.

6:20 *ҳибсдаман* — 3:1 изоҳига қаранг.

6:24 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
ФИЛИППИЛИКЛАРГА
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус бу мактубини қамоқда бўлган пайтда* Филиппи шаҳридаги имонлилар жамоатига ёзган. Филиппи Рим империясининг Македония вилоятида жойлашган бўлиб, бой шаҳар эди. Павлус Европада Хушхабарни тарғиб қилишни айнан шу шаҳардан бошлаган эди. Павлуснинг фаолияти натижасида Филиппи шаҳрида имонлилар жамоати вужудга келди.

Павлус бу мактубини Филиппиликлар юборган ҳадялар ва уларнинг ибодатлари учун ўз миннатдорчилигини билдириш ҳамда уларга бўлган меҳр–муҳаббатини изҳор этиш ниятида ёзган. Ушбу мактубида у Масиҳ учун ҳатто жонини фидо қилишга ҳам тайёрлигини ёзади, аммо Хушхабарни тарғиб қилиш ва жамоатни ўстириш мақсадида тирик қолишига ишончи комил эканлигини таъкидлайди. Павлус мазкур мактубини ёзар экан, жамоатдаги ёлғон таълимотлар туфайли кўп азият чекаётганини баён қилади. Баъзи одамлар, масиҳийлар Мусонинг қонунига амал қилмасалар, нажот топмайдилар, деб таълим бераётган эдилар. Павлус мана шундай одамлардан эҳтиёт бўлишни ва уларнинг таълимотларига қулоқ тутмасликни маслаҳат беради, чунки бу таълимотлар Павлус тарғиб қилган Хушхабарга мутлақо зид эди.

Мактуб сатрларида Павлуснинг жўшқин имони ва чексиз қувончи ёрқин акс этган. Ўзи қийин аҳволда бўлса ҳам, Павлус фурсатдан фойдаланиб, Филиппилик имонлиларга тасалли беради. Ўзининг ҳаётидаги ва уларнинг бошига тушган қийинчиликларга қарамай, уларни имонда собит қолишга ва жасоратли бўлишга ундайди. Улар қонунга амал қилиш орқали эмас, балки Худонинг инояти туфайли Исо Масиҳга тегишли эканликларини эслатади. У Исо Масиҳга ишониб яшаганларга Худо шодлик ва тинчлик бериши ҳақида ҳам ёзади. Худонинг халқи аҳил яшаши кераклигини эслатади. Уларга, худбинлик ва мағрурлик ихтиёрида бўлманглар, балки Исо Масиҳга ўхшаб, камтарин бўлинглар, деб ёлворади.

Ушбу мактуб замирида қувонч, ишонч, бирлик ва имонда собитлик каби мавзулар ётади. Мактубни ўқир эканмиз, Павлуснинг Филиппидаги жамоатга бўлган ўзгача меҳрини сезамиз.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Исо Масиҳнинг қуллари Павлус ва Тимўтийдан* Филиппи шаҳридаги Исо Масиҳнинг барча азизларига ҳамда жамоат етакчилари ва хизматчиларига салом!
2 Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Павлуснинг Филиппилик имонлилар учун шукронаси ва ибодати

3 Ҳар сафар сизлар ҳақингизда ўйлаганимда Худойимга шукурлар айтаман.
4 Ҳаммангиз учун ибодат қилганимда, ҳар доим шодлик билан ибодат қиламан,
5 чунки сизлар Хушхабарга ишонганингиздан бошлаб, то ҳозирга қадар ўша Хушхабарни ёйишда мен билан бирга иштирок этиб келмоқдасизлар. 6 Худо

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

сизларнинг ҳаётингизда бошлаган эзгу ишини Исо Масиҳ келадиган кунгача битиришига аминман. 7 Сизларни яхши кўрганим учун ҳаммангиз ҳақингизда шундай фикр қилишим ўринлидир. Ахир, қамоқдалигимда ҳам, Хушхабар ҳақиқат эканлигини ҳимоя қилиш ва таъкидлашимда ҳам Худо берган иноятда сизлар менга шериксизлар. 8 Мана, Худо шоҳид: мен сизларни роса соғинганман, чунки сизларни Исо Масиҳникидай бўлган меҳр–муҳаббат билан яхши кўраман.

9 Сизларнинг муҳаббатингиз янада ошиб, билим ва ақл–идрок билан бойисин, деб ибодат қиляпман, 10 чунки мен сизларнинг аъло нарсаларни танлашингизни, Масиҳ келадиган кунда пок ва айбсиз бўлишингизни истайман. 11 Токи сизларнинг ҳаётингиз Исо Масиҳ кучи орқали солиҳлик самарасига тўлиб, Худога шараф ва мақтов келтирсин.

Хушхабар ёйилаётганидан Павлус хурсанд

12 Эй биродарлар, шуни билишингизни истайманки, бошимга тушганларнинг ҳаммаси Хушхабарнинг янада кўпроқ ёйилишига туртки бўлди. 13 Масиҳ туфайли қамалганим бутун сарой қўриқчиларига* ва бу ердагиларнинг ҳаммасига маълум бўлди. 14 Менинг қамоқдаги вазиятим кўп биродарларнинг Раббимиз Исога бўлган ишончини оширди, шунинг учун улар қўрқмасдан, катта жасорат билан Масиҳ ҳақидаги хабарни тарғиб қилмоқдалар.

15 Тўғри, Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни баъзилар бахиллик ва ҳасадгўйлик билан, баъзилар эса яхши ният билан тарғиб қиляптилар. 16 Яхши ният билан тарғиб қилаётганлар мени яхши кўрганлари учун ва мен Хушхабарни ҳимоя қилишга тайинланганимни билиб шундай қиляптилар. 17 Қолганлар эса Хушхабарни рақобат руҳи билан тарғиб қиляптилар. Улар пок ниятда эмас, балки менинг қамоқда тортаётган азобларим кўпайсин деб, шундай қиляптилар*. 18 Аммо нима фарқи бор? Ёмон ниятдами, яхши ниятдами, муҳими, Масиҳ ҳақидаги Хушхабар тарғиб қилинмоқда. Мана шу мени хурсанд қилади.

Павлус Масиҳни улуғлашни истайди

Мен хурсанд бўлишда давом этаверaман, 19 чунки биламан, сизларнинг ибодатларингиз орқали ва Исо Масиҳ Руҳининг ёрдами билан мана шуларнинг ҳаммаси менинг озод бўлишимга олиб келади. 20 Ишонч билан умид қиламан: иснодга қолмайман, аксинча, жасорат кўрсатаман. Ҳа, умидим шуки, ҳозир ҳам олдингидай, ўлсам ҳам, яшасам ҳам менинг танам орқали Масиҳ улуғланади. 21 Зотан, мен учун ҳаёт Масиҳдир, ўлим эса ютуқдир. 22 Ахир, тирик қоладиган бўлсам, самарали ишлар қилаверaман, шундай экан, нимани танлашни ҳам билмайман. 23 Икки йўлнинг қай бирини танлашни билмай, бошим қотиб қолди. Менинг истагим бу дунёдан кетиб, Масиҳ билан бирга бўлишдир. Шундай бўлса жуда яхши бўларди. 24 Аммо тирик қолишим сизлар учун заруррoқдир. 25 Бунга ишончим комил, шунинг учун тирик қолишимни биламан. Сизларнинг имонингиз мустаҳкамланиб, қувончингиз ошиб бораверишиучун мен сизлар билан бирга қоламан. 26 Шундай қилиб, мен яна сизларнинг олдингизга келганимда, мен туфайли Исо Масиҳдан янада кўпроқ фахрланасиз.

Ҳаётни Масиҳга бағишлаб яшаш

27 Нима бўлишидан қатъий назар, Масиҳ Хушхабарига лойиқ тарзда ҳаёт кечиришингиз керак. Шундай яшангларки, мен сизларни кўришга борганимда, Хушхабарнинг самараси бўлган имон учун якдиллик билан курашиб, бир руҳда мустаҳкам турганингизни кўрай! Аммо сизларни кўришга боролмасам, шундай хабар эшитай. 28 Сизларга қаршилик кўрсатаётганлардан ҳеч ҳайиқманглар. Сизларнинг қатъиятингиз уларнинг ҳалок бўлишидан, сизларнинг эса нажот

топишингиздан далолат беради. Бу Худонинг ишидир. 29 Зотан, Худо сизларга
нафақат Масиҳга ишониш, балки Унинг учун азоб–уқубат тортиш шарафини ато
қилган. 30 Ахир, сизлар азоб–уқубатларимни кўрдингиз, ҳозир ҳам азият
чекаётганим ҳақида эшитяпсиз. Энди мана шу курашда сизлар менинг
шерикларимсиз.

2–БОБ

Масиҳдан ўрнак олинг

1 Масиҳга тегишли бўлганингиз сизларга далда беряпти, Унинг севгисидан
тасалли топяпсиз, Муқаддас Руҳ билан мулоқотдасиз, юракларингиз
меҳр–шафқатга тўла. 2 Шундай экан, менинг шодлигимга шодлик қўшиб, бир хил
фикр қилинг, бир–бирингизга меҳр–муҳаббат кўрсатинг, якдиллик билан
ҳамфикр бўлинг. 3 Ҳеч бир ишни худбин ниятда қилманг, шуҳратпараст бўлманг,
аксинча, камтарлик билан бошқаларни ўзингиздан юқори деб билинг. 4 Фақат
ўзингизнинг эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини кўзланг.

5 Фикр–зикрингиз Исо Масиҳникидай бўлсин. 6 Исо Масиҳ Худонинг табиатига
эга эди, шунда ҳам У Худо билан тенглигини маҳкам тутмади. 7 Аксинча, У бу
улуғворликдан воз кечиб, қул табиатига кирди, инсон бўлиб туғилди. У инсон
қиёфасида яшаб, 8 Ўзини паст тутди. Итоаткор бўлиб, ҳатто ўлимга, хочдаги
ўлимга ҳам рози бўлди. 9 Шунинг учун Худо Уни энг юқорига юксалтирди ва Унга
ҳар қандай исмдан юқори исмни ато этди. 10 Токи Исонинг олдида еру осмондаги
ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин, 11 ҳар бир тил Исо Масиҳни Раббий деб тан
олиб, Отамиз Худога шараф келтирсин.

Нажотингиз ёрқин кўриниб турсин

12 Эй азизларим, мана шуларни ёдда тутиб, ҳар доимгидай итоаткор бўлишда
давом этаверинглар. Фақатгина сизлар билан бўлганимда эмас, ҳатто ёнингизда
бўлмасам ҳам, Худонинг олдида қўрқув ва титроқ билан шундай яшангларки,
нажот топганингиз ёрқин кўриниб турсин. 13 Зотан, Худо Ўзини хушнуд
қиладиган ишларни қилишингиз учун сизларга куч ва хоҳиш беради.

14-16 Мана шу бузуқ ва эгри насл орасида Худонинг нуқсонсиз, айбсиз ва пок
фарзандлари бўлишингиз учун ҳамма нарсани нолимай, баҳслашмай қилинглар.
Ҳаётбахш хабарни маҳкам тутар экансиз, ўша бузуқ ва эгри насл орасида
самодаги юлдузлар каби порлайсизлар. Шунда Масиҳ келган куни, меҳнатим зое
бўлмаганидан, қилган ишларим беҳуда кетмаганидан фахрланаман. 17 Сиз
имонингизга асосланиб, хизмат қилиб келяпсиз, шу сизнинг қурбонлигингиздир.
Агарда менинг жоним фидо бўлиб, ҳаётим сизнинг қурбонлигингиз устига
тўкиладиган шароб назридай* бўлиб қолса ҳам, хурсанд бўламан, ҳаммангиз
билан бирга шодланаман. 18 Худди шунингдек, сизлар ҳам хурсанд бўлинглар ва
мен билан бирга шодланинглар.

Павлус Тимўтийни ва Эпафродитусни Филиппига жўнатмоқчи

19 Раббимиз Исонинг иродаси билан яқинда Тимўтийни сизларнинг
олдингизга юбораман, деб умид қиламан. Шунда аҳволингиздан хабардор бўлиб,
кўнглим таскин топади. 20 Тимўтийни юборишимнинг сабаби шуки, сизлар учун
худди мендай чин кўнгилдан жон куйдирадиган бошқа ҳеч ким йўқ. 21 Қолганлар
Исо Масиҳга хизмат қилишни эмас, балки ўз манфаатини кўзлайди. 22 Ўзларингиз
биласизлар, биз Хушхабарни ёйишда Тимўтий билан бирга ота–ўғилдай хизмат
қилдик. У ўзининг ҳурматга лойиқ эканлигини кўрсатди. 23 Шунинг учун

тақдирим аниқ бўлиши биланоқ Тимўтийни сизларнинг олдингизга юбораман, деб умид қиламан. 24 Ўзим ҳам яқинда олдингизга бораман. Бу ҳақда Раббимизнинг Ўзи менда ишонч ҳосил қилди.

25 Ҳозир эса Эпафродитусни* ёнингизга юборишни лозим кўрдим. У сизларнинг юборган элчингиз, муҳтожлигимда менга мадад берган биродарим, ҳамкорим ва сафдошимдир. 26 Эпафродитус сизларни жуда соғинган. Унинг касаллиги ҳақида эшитганингизни ҳам билиб қаттиқ қайғуряпти. 27 Ҳақиқатан ҳам у ўлар ҳолатда касал эди, аммо Худо унга раҳм–шафқат кўрсатди. Бу билан Худо фақат унга эмас, балки ғамимга ғам қўшилмасин деб, менга ҳам шафқат қилди. 28 Шундай қилиб, яна Эпафродитусни кўриб, севининглар деган ниятда уни тез орада олдингизга юбораман. Шундай қилсам, ғамим анча енгиллашади. 29 Раббимиз Исога ишонганлар бир–бирларини қандай кутиб олсалар, сизлар ҳам Эпафродитусни худди шундай қилиб, катта қувонч билан кутиб олинглар. Бундай инсонларга муносиб бўлган иззат–ҳурматни унга кўрсатинглар. 30 Ахир, у Масиҳга хизмат қилиш йўлида бир ўлимдан қолди. Сизларнинг ўрнингизга ҳам менга хизмат қилиб, ўз жонини аямади.

3–БОБ

Масиҳни таниб–билишдан афзалроқ ҳеч нарса йўқ

1 Энди эса, эй биродарларим, Раббимиз Исо туфайли шодланинг! Сизларга бир хил нарсаларни ёзаверсам ҳам зерикмайман, ёзганларим сизларни ҳар хил балолардан асрайди. 2 Итдай бўлганлардан, ёвузлик қиладиганлардан, танасини кесадиганлардан* эҳтиёт бўлинглар! 3 Ахир, улар эмас, биз ҳақиқий суннат қилинганмиз, чунки биз Худонинг Руҳи ёрдамида сажда қиламиз. Биз Исо Масиҳ билан мақтанамиз, инсоний хусусиятларимизга ишонмаймиз.

4 Ваҳоланки, мен ўз хусусиятларимга ишонсам бўлади. Ахир, бундай қилишга менда ҳамманикидан ҳам кўра, кўпроқ сабаб бор. 5 Мен саккиз кунлигимда суннат қилинганман*, Исроил авлодидан, Бенямин қабиласиданман. Мен ҳақиқий ибронийман. Фарзий* бўлиб, Худонинг қонунига сўзсиз риоя қилардим. 6 Жон–жаҳдим билан жамоатни қувғин қилардим. Қонунларга риоя қилишга асосланган солиҳликка келганда, айбсиз эдим. 7 Аммо мен учун фойда бўлган буларнинг ҳаммасини энди Масиҳ туфайли зарар деб ҳисоблайман. 8-9 Ҳа, ҳамма нарса қадрсиздир, чунки Раббим Исо Масиҳни таниб–билишдан афзалроқ ҳеч нарса йўқ деб ҳисоблайман. Уни деб, мен ҳамма нарсадан воз кечдим. Масиҳга сазовор бўлиш, бутунлай Унга тегишли бўлиш учун ҳамма нарсани ахлат деб билдим. Энди қонунга риоя қилиш орқали солиҳликка эришишга умид қилмайман, аксинча, Масиҳга бўлган имоним билан солиҳликка эришишга интиламан. Ҳа, бу солиҳликни Худо имон туфайли беради. 10 Мақсадим шуки, Исо Масиҳни билай, Уни тирилтирган қудрат менинг ҳаётимда ҳам ўз кучини кўрсатсин, Масиҳнинг азобларига шерик бўлай. Унинг ўлим пайтидаги фикр–зикри менинг ҳаёт тарзим намунаси бўлсин. 11 Бир кун келиб, мен ўликдан тирилишга эришаман, деб умид қиламан.

Ютуқ томон интилиш

12 Мен мақсадимга етдим ёки камолотга эришдим, деб айтолмайман. Аммо мен унга етишай, деб интиламан, чунки Исо Масиҳ айнан шу мақсад учун мени Ўзиники қилиб олган. 13 Биродарлар, мен ўзимни ўша мақсадга етишганман деб ҳисобламайман. Ортда қолганларни унутиб, олдинга интиламан. Фақатгина 14 ўша мақсадни кўзлайман–да, Худо мени Исо Масиҳ орқали чақириб, менга ато

қиладиган самовий ютуқ томон интилмоқдаман. 15 Биз ҳаммамиз, имон
жиҳатидан етукликка эришганлар, шундай ўйлашимиз керак. Агар сизлар бирор
нарса ҳақида бошқача фикрда бўлсангиз, Худо сизларга ноҳақ эканлигингизни
аён қилади. 16 Нима бўлишидан қатъий назар, қай даражага эришган бўлсак, энди
шу бўйича яшашда давом этаверайлик*.
17 Биродарларим, мендан ўрнак олаётганларга қўшилинглар. Бизнинг
намунамиз бўйича яшаётганларга эътибор бериб, улардан ўрганинглар. 18 Ахир,
мен сизларга олдин кўп марта айтганман, ҳозир ҳам кўзларимга ёш тўлиб,
қайтаряпман: Масиҳ хочининг душмани бўлиб яшаётганлар кўп. 19 Уларнинг
охири — ҳалокат, уларнинг худоси нафсдир. Уятсиз қилиқларидан
фахрланадилар. Уларнинг ўй–хаёллари фоний дунёдаги нарсаларга берилган.
20 Бизнинг ватанимиз эса самодадир. Бизлар нажоткоримиз бўлган Раббимиз Исо
Масиҳнинг ўша ердан келишини интизорлик билан кутяпмиз. 21 Раббимиз бутун
борлиқни Ўзига бўйсундириш кучига эгадир. Мана шу куч билан У бизнинг ожиз,
фоний танамизни Ўзининг улуғвор танасига ўхшатиб ўзгартиради.

4–БОБ

Турли панд–насиҳатлар

1 Шундай қилиб, севимли биродарларим, сизларга айтганларим бўйича,
Раббимиз Исо билан бўлган муносабатингизда маҳкам туринглар. Азизларим, мен
сизларни жуда соғиндим. Сизлар менинг қувончимсиз, фахримсиз!
2 Эводия ва Синтиха, сизлардан илтимос қиламан, Раббимиз ҳақи якдил
бўлинглар. 3 Эй вафодор ҳамкорим, сендан ҳам ўтинаман, бу аёлларга ёрдам бер,
чунки улар мен билан бирга, Климент ҳамда исмлари ҳаёт китобида* ёзилган
бошқа ҳамкорларим қатори Хушхабарни тарғиб этишда тер тўкдилар.
4 Ҳар доим Раббимиз Исо туфайли шодланинг! Яна бир бор айтаман,
шодланинг! 5 Ҳаммага нисбатан мулойим бўлинг. Раббимиз яқинда келади*. 6 Ҳеч
нарсадан ташвиш қилманглар. Аксинча, ҳар қандай шароитда ибодат ва
илтижода бўлиб, ҳар бир муҳтожлигингизни Худонинг олдида миннатдорчилик
билан изҳор қилинглар. 7 Шунда Худо берадиган, инсон хаёлига сиғмайдиган
тинчлик Исо Масиҳ орқали сизларнинг юракларингизни ва ўй–хаёлларингизни
қўриқлайди.
8 Энди эса, эй биродарларим, фикр–зикрингиз ҳақиқий, шарафли, тўғри, пок,
ёқимли, таҳсинга сазовор нарсаларда бўлсин. Ҳа, олқишга лойиқ, аъло нарсалар
ҳақида фикр юритинглар. 9 Таълимотимни қабул қилдингиз. Энди мендан
ўрганганларингизнинг, кўрган–эшитганларингизнинг ҳаммасини бажаринглар.
Шунда тинчлик берадиган Худо сизлар билан бирга бўлади.

Павлуснинг миннатдорчилиги

10 Сизлар мен учун яна ғамхўрлик қилаётганингиздан жуда хурсанд бўлиб,
Раббимиз Исога шукур қиляпман. Албатта, сизлар олдин ҳам мен учун ғамхўрлик
қилардингиз, лекин буни кўрсатишга имкониятингиз бўлмаган эди. 11 Буларни
муҳтожликдан айтаётганим йўқ, чунки мен ҳар қандай шароитда борига қаноат
қилишга ўрганганман. 12 Ҳар қандай шароитда ва ҳар ерда ҳам тўқ бўлиш, ҳам оч
қолиш, мўл–кўлчилигу муҳтожликда яшаш сирларини ўрганганман. Мен
танқисликда ҳам, мўл–кўлчиликда ҳам қандай ҳаёт кечиришни биламан. 13 Менга
куч–қувват берадиган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан.
14 Нима бўлишидан қатъий назар, сизлар қийинчиликларимга шерик бўлиб яхши
қилдингизлар.

15 Ахир, сиз, Филиппиликлар, ўзларингиз биласизлар–ку, мен сизларга
Хушхабарни айтган пайтимдан* бошлаб, Македониядан кетганимдан кейин ҳам
фақат сизлар менга моддий жиҳатдан ёрдам берардингиз. Сизлардан бошқа ҳеч
бир жамоат бундай қилмади. 16 Ҳатто Салоникада* бўлганимда ҳам сизлар
бир–икки марта менга ёрдам бериб, эҳтиёжимни қондирдингиз. 17 Мен сизлардан
бирор нарса ундириб олиш ниятида гапираётганим йўқ. Аксинча, сизларнинг
фойдангиз кўпайишини кўзлаяпман. 18 Ҳозир менда керакли ҳамма нарса бор,
ҳатто ортиғи билан бор. Эпафродитусдан бериб юборган ҳадяларингизни олдим.
Энди ҳеч бир муҳтожлигим қолмади. Бу ҳадяларингиз хушбўй назрдай, Худога
маъқул бўладиган ёқимли қурбонлик кабидир. 19 Худойим Ўзининг ажойиб
бойлиги билан Исо Масиҳ орқали сизларнинг ҳар бир эҳтиёжингизни қондиради.
20 Отамиз Худога абадулабад шон–шарафлар бўлсин! Омин.

Сўнгги саломлар

21 Исо Масиҳга тегишли бўлганларнинг ҳаммасига салом айтиб қўйинг.
Ёнимдаги биродарлар ҳам сизларга салом айтяпти. 22 Худонинг азизлари
бўлганларнинг ҳаммаси, айниқса Қайсар* хизматида бўлганлар*, сизларга салом
йўллаяптилар.

23 Раббимиз Исо Масиҳнинг иноятиси сизларга ёр бўлсин!*

ИЗОҲЛАР

...қамоқда бўлган пайтда... — 1:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

1:1 *Тимўтий* — илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг ҳамкори (Ҳаворийлар 16:1-3 га қаранг).

1:13 *сарой қўриқчилари* — Рим императорига хизмат қилган алоҳида бир гуруҳ сипоҳлар. Мактуб ёзилган пайтда Павлус Римда, ижарага олган уйда яшаган бўлиши мумкин. Императорнинг баъзи сипоҳлари Павлусни ўша ерда қўриқлар эди (Ҳаворийлар 28:16, 30 га қаранг). Эҳтимол, Павлус мана шу сипоҳларнинг кўпчилиги билан мулоқотда бўлгандир, чунки улар кечаю кундуз навбат билан Павлусни қўриқлардилар.

1:17 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида шу бобнинг 16-17–оятлари ўрни алмаштирилган ҳолда келтирилган.

2:17 *шароб назри* — қурбонгоҳда куйдириладиган баъзи бир қурбонликлар устига қуйиладиган назр. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги НАЗР ибораси остида берилган ШАРОБ НАЗРИ сўзига қаранг.

2:25 *Эпафродитус* — Филиппилик имонлилар Павлусга шу одам орқали ҳадя юборишган (4:18 га қаранг). Эпафродитус Филиппига қайтиб кетаётганда, Павлус ушбу мактубини у орқали бериб юборган эди.

3:2 *Итдай бўлганлар...танасини кесадиганлар...* — Павлус бу ўринда Худога манзур бўлиш учун суннат қилиниш керак, деб ўргатган одамларга ишора қилади. Павлуснинг ўзи суннатга қарши бўлмаган, аммо нажот топиш учун суннат қилиниш керак, деган таълимотга қатъиян қарши эди (Ҳаворийлар 15:1-2 га қаранг).

3:5 *Мен саккиз кунлигимда суннат қилинганман...* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:9-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

3:5 *Фарзий* — яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга ҳамда покланиш удумларига изчил амал қилардилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ФАРЗИЙ сўзига қаранг.

3:16 *...шу бўйича яшашда давом этаверайлик* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *шунга яраша фикр қилишимиз ва ўша қоида бўйича яшашимиз керак*.

4:3 *ҳаёт китоби* — Худо Ўзига тегишли бўлганларнинг исмларини ёзиб қўйган китоб (Ваҳий 20:11-15 га қаранг).

4:5 *Раббимиз яқинда келади* — ёки *Раббимиз яқин*.

4:15 *...мен сизларга Хушхабарни айтган пайтимдан бошлаб...* — Ҳаворийлар 16:12-40 га қаранг.

4:16 *Салоника* — Рим империясига қарашли бўлган Македония вилоятининг пойтахти.

4:22 *Қайсар* — барча Рим императорларига берилган унвон.

4:22 *Қайсар хизматида бўлганлар* — 1:13 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

4:23 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
КОЛОСАЛИКЛАРГА
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус бу мактубини қамоқда бўлган пайтда* Колоса шаҳридаги имонлилар жамоатига ёзган. Бу шаҳар ҳозирги Туркия ҳудудида, Эфес шаҳрининг шарқида жойлашган эди. Колосадаги имонлилар жамоатига Павлус эмас, балки Эпафрас исмли масиҳий етакчи асос солган эди. Мактубда Павлус Эпафраснинг исмини бир неча марта тилга олган. Мактуб ёзилган пайтда Эпафрас Павлус билан бирга эди.

Ушбу мактубда асосий урғу Исо Масиҳга берилган. Павлус Масиҳнинг шахсияти ва У берган нажотнинг тўлиқлиги ҳақида сўз юритади, инсоний фалсафанинг пучлигини кўрсатади. Муаллиф Масиҳни улуғлайди, Уни турли тарзда: кўринмас Худонинг сурати, дунё яратилмасдан олдин мавжуд бўлган ва бутун борлиқни асраб турган Зот, жамоатнинг Боши, илоҳий комиллик намояндаси, бутун борлиқни Худо билан яраштирган Нажоткор, деб таърифлайди. Павлус Колосалик имонлиларни Масиҳга умид боғлашга, Худо билан бирликда, Унга бўйсунган ҳолда яшашга чақиради.

Павлуснинг мақсади Колоса жамоатидаги ёлғон таълимотни фош этиш эди. У Колосадаги имонлиларни огоҳлантириб, диний расм–русумлардан эҳтиёт бўлинглар, нажот топиш учун ўзингизни қийноқ–азобларга солманглар, қуруқ сафсаталардан қочинглар, фаришталарга сажда қилманглар, деб насиҳат қилади. Нажот топиш учун Масиҳга ишонишнинг ўзи кифоя эканлигини ўргатади.

Мактуб сўнгида муаллиф масиҳийларга насиҳатлар ва кўрсатмалар беради. Худонинг севгиси уларнинг кундалик ҳаётида, чунончи, эр–хотин муносабатларида, ота–она ва фарзандлар, хўжайин ва қул муносабатларида акс этиши кераклигини таъкидлайди.

1–БОБ

Салом

[1] Худонинг иродаси билан Исо Масиҳнинг ҳаворийси бўлган мен — Павлус ҳамда биродарим Тимўтийдан* [2] Колоса шаҳридаги Худонинг азизлари, Масиҳга тегишли бўлган содиқ биродарларимизга салом! [3] Отамиз Худо* сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин!

Шукрона ибодати

Сизлар учун ибодат қилганимизда биз ҳар доим Худога, Раббимиз Исо Масиҳнинг Отасига шукур айтамиз. [4] Чунки Исо Масиҳга бўлган имонингиз ва Худонинг барча азизларига кўрсатаётган севгингиз ҳақида биз эшитдик. [5-6] Худо сизлар учун жаннатда шодлик тайёрлаб қўйганига умид боғладингиз. Хушхабар, яъни ҳақиқат сўзи сизларга етиб келганда мана шу умид ҳақида эшитдингиз. Имонингиз ва севгингиз бу умидингизга асосланган. Хушхабар бутун дунё бўйлаб самара келтириб, ёйилмоқда. Хушхабарни эшитиб, Худо иноятининг ҳақиқий маъносини тушуниб етган кунингиздан бери сизларнинг орангизда ҳам Хушхабар самара бермоқда. [7] Сизлар бу Хушхабарни бизнинг азиз ҳамкоримиз

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Эпафрасдан* эшитдингиз. У сизлар учун садоқат билан Масиҳга хизмат қиляпти.
8 Муқаддас Руҳ сизларга ато қилган меҳр–муҳаббат ҳақида у бизга айтиб берди.
9 Шу сабабдан сизлар ҳақингизда эшитган кунимиздан бери сизлар учун
ибодат қилишни канда қилмаяпмиз. Худонинг Руҳи берадиган донолик ва
ақл–идрок орқали Унинг иродасини тўлиқ англаб етинг, деб ибодат қиляпмиз.
10 Шунда сизлар Раббимиз Исога муносиб ҳаёт кечириб, ҳар жиҳатдан Уни хурсанд
қиласизлар. Қилган ҳар бир яхшилигингиз самара келтиради ва сизлар Худони
янада чуқурроқ тушуниб биласизлар. 11-12 Худо Ўзининг буюк қудрати билан
сизларни куч–қувватга тўлдириб, ҳар қандай вазиятда сизларга сабр–тоқат ва
бардош берсин. Худо Ўзининг азиз халқига ваъда қилган нурдан* баҳраманд
бўлишни сизларга лойиқ кўргани учун қувонч билан осмондаги Отамизга
шукрона айтинг. 13 У бизни зулмат ҳукмронлигидан қутқариб, севикли Ўғлининг
Шоҳлигига қабул қилди. 14 Ўз Ўғли орқали* бизни кечириб, гуноҳларимиздан озод
қилди.

15 Кўринмас Худонинг сурати Масиҳдир,
У бутун борлиқнинг тўнғичидир*.
16 Худо бутун борлиқни Масиҳ орқали яратган.
Еру кўкдаги бор мавжудот,
Кўринадиган ва кўринмайдиган ҳар бир нарса,
Ғайритабиий кучлар, тахту салтанатлар,
Буларнинг ҳаммаси Масиҳ орқали,
Унинг Ўзи учун яратилгандир.
17 Масиҳ бутун борлиқдан олдин мавжуд эди,
Бутун борлиқ У туфайли мустаҳкам турибди.
18 Масиҳ жамоатнинг бошидир,
Жамоат Масиҳнинг танасидир.
Ҳамма нарсанинг ибтидоси Масиҳдир,
У ҳаммадан устун бўлиши учун
Биринчи бўлиб ўликдан тирилтирилган.
19 Худо Ўз комиллигини
Исода жо қилишни маъқул кўрди.
20 Еру кўкдаги борлиқ мавжудотни
Масиҳ орқали Худо Ўзи билан яраштириб,
Масиҳнинг хочда тўкилган қони орқали
Улар билан тинчлик ўрнатди.

21 Сизлар ҳам бир вақтлар Худога душман эдингизлар. Фикру зикрингиз
Худодан узоқ бўлиб, ёмон ишлар қилардингизлар. 22 Масиҳнинг жисмоний
танадаги ўлими орқали Худо сизларни Ўзи билан яраштирди. Энди сизлар
Худонинг олдида муқаддас, бенуқсон ва айбсиз турасизлар. 23 Шундай экан, ҳеч
иккиланмай, имонингизда маҳкам туришингиз керак. Сизлар Хушхабарни
эшитиб, умидга эга бўлдингиз. Ўша умидингизни йўқотманг. Бу Хушхабар ер
юзидаги бутун жонзотга эълон қилинди. Мен — Павлус ўша Хушхабарнинг
хизматчисиман.

Павлус — жамоат хизматкори

24 Мен сизлар учун азоб чекаётганимдан хурсандман. Ахир, мен Масиҳ танаси,
яъни жамоат учун азоб чекяпман. Шундай қилиб, менинг азобларим Масиҳ
чеккан азобларга қўшилади. 25 Худонинг хабарини сизларга тўлиқ эълон

қилишим учун У мени жамоатнинг хизматчиси қилиб тайинлади. 26 Бу Хушхабар
асрлару насллар давомида сир тутилган эди, энди эса у Худонинг азизларига
ошкор қилинди. 27 Худо барча халқлар ҳам Масиҳ орқали бой улуғворликка
етишишларини ҳаммамизга кўрсатишни истади. Бу сирнинг моҳияти шудир:
Масиҳ, яъни улуғворликка етишиш умиди сизларнинг орангиздадир. 28 Ҳар
биримиз Масиҳ танасининг етук аъзоси сифатида Худонинг олдида
туришингизни истаймиз. Шунинг учун биз ҳаммани огоҳлантириб, донолик
билан таълим бериб, Масиҳ ҳақида ўргатяпмиз. 29 Мен ҳам ана шу мақсадда
жон–жаҳдим билан хизмат қилар эканман, менга кучли таъсир қилаётган
Масиҳнинг қудратига суянаман.

2–БОБ

1 Мен сизлар учун, шунингдек, Лаодикия шаҳридагилар* ҳамда мени шахсан
кўрмаган имонлиларнинг ҳаммаси учун нақадар зўр ғайрат билан меҳнат
қилаётганимни билишингизни истайман. 2 Мақсадим шуки, сизлар дадил бўлинг,
муҳаббат ришталари сизларни бирлаштирсин, Худонинг сири — Масиҳ* ҳақида
чуқур ва бой тушунчага эга бўлинг. 3 Чунки донолик ва илму маърифатнинг
ҳамма хазиналари Масиҳда пинҳондир. 4 Ҳеч ким сизларни тилёғламалик билан
йўлдан оздирмасин деб, мен сизларга шуларни айтяпман. 5 Гарчи мен жисман
сизларнинг орангизда бўлмасам ҳам, хаёлан сиз билан биргаман. Сизларнинг
тартиб–интизомингиз ва Масиҳга бўлган соғлом имонингизни кўриб севиняпман.

Масиҳ ато қиладиган янги ҳаёт

6 Сизлар Исо Масиҳни Раббимиз деб қабул қилган экансизлар, доимо У
кўрсатган йўлдан юраверинг. 7 Олган таълимотингизга мувофиқ, Масиҳда томир
ёйиб, қарор топинг. Имонингизда қаттиқ туринг, Худога шукроналар
тилингиздан тушмасин. 8 Эҳтиёт бўлинглар, ҳеч ким фалсафа ва қуруқ сафсаталар
билан сизларни аврамасин. Бундай гаплар Масиҳга эмас, балки инсонларнинг
анъанасига, дунёнинг хурофий кучларига* асосланади. 9 Худо Ўзининг бутун
борлиғи билан тўла–тўкис Масиҳнинг вужудида мавжуддир. 10 Масиҳга тегишли
бўлганингиз учун ҳаётингиз тўла–тўкис, чунки У ҳар қандай куч ва ҳокимиятдан
устундир. 11 Масиҳ орқали сизлар суннат қилиндингиз, бу жисмоний суннат* эмас,
балки Масиҳ орқали қилинадиган суннат, яъни гуноҳкор табиатнинг кесиб
ташланишидир. 12 Сувга чўмдирилиш орқали Масиҳ билан бирга кўмилдингиз.
Масиҳни ўликдан тирилтирган Худонинг қудратига бўлган имонингиз туфайли
Масиҳ билан бирга тирилдингиз. 13 Илгари сизлар суннатсиз*, гуноҳга ботган
бўлиб, руҳан ўлик эдингизлар. Энди эса Худо барча гуноҳларингизни кечириб,
сизларни Масиҳ билан бирга тирилтирди. 14 Бизга қарши ёзилган айблов ҳукмини
Худо бекор қилди, яъни ўша ҳукмни хочга михлаб, кучдан қолдирди. 15 Ўша хоч
орқали коинотдаги кучлару ҳукмронликлар устидан ғалаба қозониб, уларни
қуролсизлантирди. Ўзининг ғолибона юришида* уларнинг тутқун эканлигини
намойиш этиб, шарманда қилди.

16 Шунинг учун егулик–ичгулик, диний байрамлар, янги ой шодиёналари ёки
Шаббат куни хусусида ҳеч ким сизларга қонун–қоида чиқармасин. 17 Ўша
урф–одатлар келажакнинг шарпасигина, холос, аммо ҳақиқий ҳаёт Масиҳдадир.
18 Шундай экан, диндорликка берилиб, ўзини мўминликка соладиганлар,
фаришталарга сиғинадиганлар сизларни камситса, эътибор берманглар. Улар
кўрган ваҳийлари билан мақтанадиган, ақл–заковати билан мағрурланадиган
одамлардир. 19 Бундай кишилар Масиҳдан ажралган. Масиҳ — Ўз танаси, яъни

жамоатнинг Бошидир. Мана шу Бошдан бутун бадан ҳаётбахш куч олиб, паю бўғинлар орқали ўзаро уланиб, Худонинг хоҳиши бўйича ўсади.

20 Агар сизлар Масиҳ билан бирга ўлган бўлсангизлар, дунёнинг хурофий
кучлари учун ҳам ўлган бўласизлар. Ундай бўлса яна нимага бу дунёга қул бўлиб,
21 “тегма”, “ема”, “ушлама” деган қонун–қоидаларга бўйсунасизлар?! 22 Бу инсоний
таълимотлар ва қоидалар ишлатилган сари йўқ бўлиб кетадиган нарсалар
ҳақида–ку! 23 Гарчи бу қоидалар келтириб чиқарган диндорлик, ўзини мўмин
қилиб кўрсатиш, баданни қийнаш одамларга ҳикматдай туюлса–да, аслида улар
шаҳвату нафсга бўлган иштиёқни кўпайтиради.

3–БОБ

1 Сизлар Масиҳ билан бирга тирилган экансиз, самовий нарсаларнинг пайида
бўлинг, ахир, Масиҳ ҳам самода Худонинг ўнг томонида ўтирибди*. 2 Фикрингиз
ер юзидаги эмас, самодаги нарсалар билан банд бўлсин. 3 Ахир, сизлар
ўлгансизлар, асл ҳаётингиз эса Масиҳ билан Худонинг ҳузурида пинҳондир.
4 Бизнинг ҳаётимиз Исо Масиҳдир. Масиҳ зоҳир бўлганда, сизлар ҳам У билан
бирга улуғворликда зоҳир бўласизлар.

5 Шундай экан, дунёвий табиатингизни, яъни фаҳш–зино, нопоклик, шаҳват,
ёвуз хоҳишлар ва бутпарастликка тенг бўлган очкўзликни йўқ қилинглар. 6 Мана
шулар сабабли Худонинг ғазаби итоатсиз бандаларнинг бошига тушади! 7 Сизлар
ҳам бир вақтлар шундай одамларнинг йўлидан юриб, ўзингизни ўшалар каби
тутардингизлар. 8 Энди эса жаҳл, ғазаб, ёвузликларнинг ҳаммасини бир четга
йиғиштириб қўйинглар. Оғзингиздан ҳеч қандай жеркиш ёки ножўя сўз
чиқмасин. 9 Бир–бирингизга ёлғон гапирманглар. Чунки сизлар эски
табиатингизни, унинг ёмон одатлари билан бирга ўзингиздан соқит
қилдингизлар. 10 Бунинг ўрнига сиз янги табиатга буркандингиз. Сизлар Худони
яқинроқ билиб бораркансиз, сизнинг янги табиатингиз уни яратган Худонинг
суратига ўхшаб бормоқда*. 11 Шу нуқтаи назардан энди на юнон* бор, на яҳудий,
на суннатли бор, на суннатсиз, на жоҳил* бор, на маданиятсиз*, на қул бор, на
озод. Энг аҳамиятлиси Масиҳдир, У ҳамма биландир, ҳамма нарса Унинг қўли
остидадир.

12 Сизлар Худонинг танланган, азиз ва суюкли халқисизлар. Шунга кўра,
раҳм–шафқат, меҳрибонлик, камтарлик, мулойимлик ва сабр–тоқатни зеб–зийнат
қилиб тақиб олинглар. 13 Бир–бирингизга нисбатан сабр–тоқатли бўлинглар.
Орангизда хафагарчилик ўтган бўлса, бир–бирингизни кечиринглар. Эгамиз*
сизларни кечиргани каби, сизлар ҳам бошқаларни кечиринглар. 14 Ва ниҳоят
муҳаббатга бурканинглар, чунки меҳр–муҳаббат мукаммал аҳилликка
етиштиради. 15 Масиҳ ато қиладиган тинчлик юракларингизда ҳукмрон бўлсин,
ахир, сизлар бир тананинг аъзосисизлар*, тинчликка даъват қилингансизлар.
Миннатдор бўлинглар. 16 Масиҳнинг каломи сизда чуқур ўрнашиб, яшнайверсин.
Донолик билан бир–бирингизга таълим беринг, насиҳат қилинг. Забурларни
хониш қилиб, мадҳиялар ва руҳий қўшиқлар билан, чин кўнгилдан
миннатдорчилик билдириб, Худони тараннум этинглар. 17 Нимаики қилсангиз
ҳам, гапирсангиз ҳам, ҳаммасини Раббимиз Исо номидан қилиб, У орқали Отамиз
Худога шукрона айтинглар.

Масиҳий оилалар учун қоидалар

18 Эй хотинлар, эрингизга итоатли бўлинглар. Шундай қилиш Раббимиз
Исонинг издошларига муносибдир.

19 Эй эрлар, хотинингизни севинглар, уларга қўпол муомалада бўлманглар.
20 Эй фарзандлар, доим ота–онангизга қулоқ солинглар, чунки бу Раббимизга маъқул келади.
21 Эй оталар, фарзандларингизни ранжитаверманглар, бўлмаса улар тушкунликка тушиб қолади.
22 Эй қуллар, бу дунёдаги хўжайинларингизга ҳар доим итоат қилинглар. Хушомадгўйлик билан хўжа кўрсинга эмас, балки Раббимиздан қўрқиб, чин кўнгилдан итоат қилинглар. 23 Ҳар бир ишни инсонлар учун эмас, Раббимиз Исо Масиҳ учун қилаётгандай чин қалбдан бажаринглар. 24 Чунки сизлар ҳақиқий Хўжайинингиз Масиҳга хизмат қиляпсизлар. У Ўз халқига атаб қўйган қут–баракани сизларга мукофот қилиб беришини ёддан чиқарманг. 25 Кимки ноҳақлик қилса, қилмишига яраша жазо олади. Зеро, Худо тарафкашлик қилмайди.

4–БОБ

1 Эй хўжайинлар, сизнинг ҳам самода Хўжайинингиз борлигини билиб, қулларингизга одил ва тўғри муомала қилинг.

Ҳар хил насиҳатлар

2 Доим ибодат қилинг. Ибодатда ҳушёр бўлиб, шукроналар келтиринг.
3 Шунингдек, бизлар учун ҳам ибодат қилинглар: биз Худонинг каломини эълон қилишимиз ва Масиҳ сирини* баён этишимиз учун Унинг Ўзи бизга йўл очиб берсин. Мен ана шу сир туфайли қамоқдаман. 4 Бу сирни муносиб равишда изҳор эта олишимни Худодан сўранглар. 5 Фурсатни ғанимат билиб, имонлилар қаторига қўшилмаганларга нисбатан оқилона йўл тутинглар. 6 Улар билан қандай гаплашишни сизларга ўргатай: улар билан гаплашганингизда сўзингиз ҳамиша ёқимли ва мазмунли бўлсин.

Сўнгги саломлар ва тилаклар

7 Мен ҳақимдаги барча янгиликларни Раббимиз Исонинг содиқ хизматкори, ҳамкорим ва суюкли биродарим Тихикус сизларга айтиб беради. 8 Сизларга далда бериб, ҳол–аҳволимизни сизларга билдирсин* деб, мен уни сизларнинг олдингизга жўнатяпман*. 9 Тихикус билан бирга олдингизга содиқ ва севимли биродаримиз, ҳамшаҳарингиз Ўнисимус* ҳам боради. Улар бу ерда бўлиб ўтган ҳамма нарсани сизларга айтиб беришади.
10 Мен билан бирга қамалган* Аристархус* ва Барнабонинг жияни Марк* ҳам сизларга салом йўллаяптилар. Марк ҳақида йўл–йўриқ олгансизлар: агар олдингизга борса, уни яхши қабул қилинглар. 11 Ёшуа, яъни Юстус ҳам сизларга салом йўллаяпти. Худонинг Шоҳлиги йўлида меҳнат қилаётган булардан бошқа яҳудий* ҳамкорларим йўқ. Улар менга тасалли бўлиб келмоқдалар. 12 Исо Масиҳнинг қули, ҳамшаҳарингиз Эпафрас* сизларга салом йўллаяпти. Худонинг иродасини тўлиқ бажарадиган, имони комил инсонлар бўлинглар деб, Эпафрас зўр ғайрат билан, тинмай сизлар учун ибодат қилмоқда. 13 У сизлар учун ҳамда Лаодикия ва Ҳейраполис шаҳарларидаги* имонлилар учун не–не заҳматлар чекканига ўзим шоҳидман. 14 Севимли табиб Луқо* ва Димас сизларга салом йўллашяпти. 15 Лаодикия шаҳридаги биродарларга, айниқса, Нимфага ва унинг* уйида йиғиладиган жамоатга салом айтинглар.
16 Сизларга ёзган бу мактубимни ўқиганингиздан кейин, уни Лаодикиядаги жамоат ҳам ўқисин. Сизлар эса Лаодикия жамоатига ёзган мактубимни* ўқинглар.

17 Архиппусга: “Раббимиз Исо зиммангга юклаган хизматни охирига етказгин”,
— деб айтиб қўйинглар.
18 Мен, Павлус, мана шу мактубнинг якунини ўз қўлим билан ёзяпман*.
Қамоқда эканлигимни эсдан чиқарманглар. Худонинг иноятиси сизларга ёр
бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

...қамоқда бўлган пайтда... — 4:10 оятга ва 1:7 изоҳига қаранг.

1:1 *Тимўтий* — илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг ҳамкори (Ҳаворийлар 16:1-3, Филиппиликлар 2:20-22 га қаранг).

1:3 *Отамиз Худо* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ.*

1:7 *Эпафрас* — Колосадаги жамоатнинг асосчиси, бу пайтда Павлус билан бирга бўлган (4:12-13 га ва Филимўн 23–оятга қаранг). Павлус Римда маҳбус бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас (Ҳаворийлар 28:16, 30 га қаранг).

1:11-12 *нур* — Худонинг Ўғли бўлган Исо Масиҳнинг Шоҳлиги рамзи (шу бобнинг 13–оятига қаранг).

1:14 *Ўз Ўғли орқали...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ўз Ўғлининг тўкилган қони орқали*.

1:15 *У бутун борлиқнинг тўнғичидир* — Исо Масиҳнинг бутун борлиқ устидан ҳукмдор эканини кўрсатиш учун мажозий маънода ишлатилган ибора (Ибронийлар 1:2 га қаранг). Яна Забур 88:28 га қаранг.

2:1 *Лаодикия шаҳри* — Колоса шаҳридан қарийб 17 километр ғарбда жойлашган.

2:2 *Худонинг сири — Масиҳ* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Отамиз Худонинг ва Масиҳнинг сири*. 1:25-27 га қаранг.

2:8 *дунёнинг хурофий кучлари* — шу бобнинг 20-23–оятларига ва Галатияликлар 4:3, 8-10 га қаранг.

2:11 *жисмоний суннат* — суннат Худонинг Иброҳим ва унинг авлоди билан қилган аҳд белгиси эди (Ибтидо 17:1-14 га қаранг). Суннат яҳудийларнинг Худога содиқлигини ва Унинг танлаган халқига тегишли эканини кўрсатади.

2:13 *суннатсиз* — мажозий маънода ишлатилган бўлиб, Колосаликларнинг Исо Масиҳга имон келтирмасларидан олдинги руҳий ҳолатини кўрсатади.

2:15 *Ўзининг ғолибона юриши* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз урушдан ғалаба билан қайтган Рим лашкарининг тантанали юришига нисбатан ҳам ишлатилган. Рим лашкарбошиси урушдан қайтиб келганда, Рим шаҳрининг кўчалари бўйлаб лашкари билан тантанали юриш қилар эди. Асир олинган душманлар эса ҳамманинг кўзи олдида уларнинг ортидан юрарди. Павлус бу ўринда мана шу ибора билан Исо Масиҳнинг шайтон ва унинг шоҳлиги устидан бўлган ғалабасини тасвирлайди.

3:1 *...Худонинг ўнг томонида ўтирибди* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

3:10 *...сизнинг янги табиатингиз уни яратган Худонинг суратига ўхшаб бормоқда* — Ибтидо 1:26-27, 1 Коринфликлар 15:45-49, 2 Коринфликлар 5:17, Галатияликлар 3:27 га қаранг.

3:11 *юнон* — яъни ғайрияҳудий. Ўша даврда *юнон* сўзи миллати юнон бўлган одамга нисбатан ҳам, юнон тилида гапириб, юнон урф–одатларига риоя қиладиган одамга нисбатан ҳам ишлатилган.

3:11 *жоҳил* — юнонча матнда *варвар*. Ўша даврда юнон тилини билмаган ва юнон урф–одатларига риоя қилмаган одамлар жоҳил ва маданиятсиз ҳисобланардилар.

Уларни одамлар “варварлар” деб аташарди.

3:11 *маданиятсиз* — юнонча матнда *Скиф*. Скифлар қадимий халқ бўлиб, ўзларининг ваҳшийлиги билан танилган эдилар. Бошқалар уларни маданиятсиз деб уларга паст назар билан қарардилар. Маданиятсиз одамлар скифлар деган ном билан юритиларди.

3:13 *Эгамиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Масиҳ*.

3:15 *...сизлар бир тананинг аъзосисизлар* — 1:18, 2:19 га ва 1 Коринфликлар 12:12-27 га қаранг.

4:3 *Масиҳ сири* — 1:25-27, 2:2-3 га қаранг.

4:8 *...ҳол–аҳволимизни сизларга билдирсин...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *сизнинг ҳол–аҳволингиздан хабар олиб келсин*. Шу бобнинг 7, 9–оятларида Тихикус уларга Павлус ҳақида хабар олиб боради деб ёзилгани учун ушбу таржимада биринчи вариантни танланган.

4:8 *...мен уни сизларнинг олдингизга жўнатяпман* — Павлус бу мактубини уларга Тихикус орқали бериб юборган эди.

4:9 *Ўнисимус* — эгасидан қочиб кетган бу қул Павлуснинг хизмати орқали имонга келган эди. Ўнисимуснинг эгаси Колосада яшайдиган, Филимўн исмли имонли бир киши эди. Ўнисимус энди Павлуснинг Филимўнга ёзган мактубини олиб, Римдан Колосага, эгасининг олдига қайтиб кетаётган эди (Филимўн 8-18–оятларга қаранг). Шу бобнинг 9-17–оятларида айтиб ўтилган кўп одамларнинг исмлари Павлуснинг Филимўнга ёзган мактубида ҳам тилга олинган.

4:10 *қамалган* — 1:7 изоҳига қаранг.

4:10 *Аристархус* — Салоника шаҳридан эди (Ҳаворийлар 19:29, 20:4, 27:2 га қаранг).

4:10 *Марк* — Марк баён этган муқаддас Хушхабарнинг муаллифи. Марк Қуддус шаҳридан эди (Ҳаворийлар 12:12, 25, 13:5, 15:37-39, 2 Тимўтий 4:11 га қаранг).

4:11 *яҳудий* — юнонча матнда *суннат қилинган*, Исо Масиҳга ишонган яҳудийлар назарда тутилган.

4:12 *Эпафрас* — 1:7 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

4:13 *Лаодикия ва Ҳейраполис шаҳарлари* — Лаодикия Колоса шаҳридан қарийб 17 километр ғарбда, Ҳейраполис эса 20 километр шимоли–ғарбда жойлашган эди.

4:14 *Луқо* — Янги Аҳддаги тўртта Хушхабардан бирининг ва Ҳаворийлар фаолияти китобининг муаллифи. У Павлуснинг кўп сафарларида ҳамроҳ бўлган (Ҳаворийлар 16:10 изоҳига қаранг).

4:15 *унинг* — юнонча матндаги олмош аёл кишига нисбатан ишлатилган. Баъзи юнон қўлёзмаларидаги олмош эса эркак кишига нисбатан ишлатилган.

4:16 *Лаодикия жамоатига ёзган мактубим* — Лаодикия жамоатига ёзилган мактуб ҳақида фақатгина шу оятда айтиб ўтилган. Бу мактуб сақланиб қолмаган ёки Павлус Эфесликларга ёзган мактубини назарда тутган бўлиши мумкин. Эфесликларга ёзилган мактуб ўша ҳудуддаги жамоатларда навбатма–навбат ўқилган бўлса керак.

4:18 *...шу мактубнинг якунини ўз қўлим билан ёзяпман* — 1 Коринфликлар 16:21 изоҳига қаранг.

4:18 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
САЛОНИКАЛИКЛАРГА
БИРИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус бу мактубини Салоника шаҳридаги имонлилар жамоатига ёзган. Салоника шаҳри Рим империясига қарашли Македония вилоятининг пойтахти эди. Павлус Филиппи шаҳрида имонлилар жамоатига асос солгандан кейин, Салоникага келган эди. Унинг фаолияти натижасида бу ерда ҳам имонлилар жамоати вужудга келди.

Яҳудий бўлмаган, аммо яҳудий динига қизиққанлар орасида Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни ёйишда Павлус катта муваффақиятга эришди. Аммо Павлуснинг бу иши Салоникадаги яҳудийларнинг рашкини қўзғатди. Улар Павлусга қарши чиққанлари учун, Павлус Салоникадан Верия шаҳрига, сўнг Афинага кетишга мажбур бўлди (Ҳаворийлар 17:1-15 га қаранг). Павлусни Салоникадаги имонлиларнинг руҳий ҳолати ташвишга соларди, шу сабабдан у ўзи Салоникага бора олмаса–да, у ерга ҳамкори Тимўтийни жўнатди. Кейинчалик Павлус Коринфга кетди (Ҳаворийлар 18:1 га қаранг). Тимўтий Салоникадан яхши хабар билан Коринфга, Павлуснинг олдига борди. Павлус Салоникадаги масиҳийларнинг имони ва севгиси ҳақида эшитиб, хурсанд бўлди, кўнгли таскин топди.

Павлус Салоникаликларга ёзган ушбу биринчи мактубида масиҳийларга далда беради, уларнинг имон ва севги билан қилган ишлари ва собит умиди учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Мактуб давомида муаллиф Салоникада қилган меҳнати, чеккан заҳматлари ва биродарларига нисбатан покдил муносабати ҳақида сўз юритади. У имонлиларни Худога манзур ҳаёт кечиришга ундайди. Сўнг Раббимиз Исонинг келиши ҳақида сўз юритади. Масиҳ келганда қандай ҳодисалар рўй бериши, оламдан кўз юмган имонлиларнинг тирилиши ва тириклар билан бирга Масиҳни кутиб олишлари ҳақида ёзади. Мактуб якунида Павлус Салоникаликларга сўнгги панд–насиҳатларини беради. Етакчиларни ҳурмат қилишга, ўзаро тинч–тотув яшашга, доим яхшилик қилишга ҳамда сабр–тоқатли, Худодан миннатдор, ҳамиша хурсанд бўлишга, тинмай ибодат қилишга уларни чақиради.

1–БОБ

Дуойи салом

[1] Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳнинг Салоника шаҳридаги имонлилар жамоатига Павлус, Силас* ва Тимўтийдан* салом! Худонинг* иноятиви ва тинчлиги сизларга ёр бўлсин.

Салоникаликларнинг ҳаёти ва имони

[2] Биз доим сизлар учун ибодат қилиб, ҳаммангиз учун Худога шукурлар айтамиз. [3] Имон ва севги билан қилган ишларингиз учун, Раббимиз Исо Масиҳга боғлаган собит умидингиз учун доимо Отамиз Худога миннатдорчилигимизни билдирамиз.

[4] Эй Худо севган биродарларимиз, Худо сизларни танлаб олганини биламиз.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

5 Ахир, биз Хушхабарни сизларга қуруқ сўзлар билан эмас, балки тўлиқ ишонч ва
Муқаддас Руҳнинг қудрати билан келтирдик. Орангизда бўлганимизда,
сизларнинг манфаатингизни кўзлаб, қандай яшаганимизни биласиз.
6 Сизлар биздан ва Раббимиз Исодан ўрнак олдингиз. Ахир, кўп азоб–уқубат
чекканингизга қарамай, Муқаддас Руҳ берадиган қувонч билан Худонинг сўзини
қабул қилдингиз. 7 Шундай қилиб, Македония ва Ахая вилоятларидаги* барча
имонлиларга ўрнак бўлдингиз. 8 Раббимизнинг каломи сизлардан фақатгина
Македония ва Ахаяга ёйилиб қолмади, балки сизларнинг Худога бўлган
имонингиз ҳамма жойда маълум бўлди. Шунинг учун энди бизнинг бирор нарса
гапиришимизга ҳожат қолмади. 9 Бизни яхши қабул қилганингиз ҳақида, барҳаёт
ва ҳақиқий Худога хизмат қилайлик, дея бутлардан юз ўгириб, Худога юз
бурганингиз ҳақида ҳамма гапиряпти. 10 Худонинг Ўғли Исонинг самодан
тушишини кутаётганингиз ҳақида ҳам гапиряптилар. Худо Ўз Ўғли Исони
тирилтирган, Исо бизни келажакда Худонинг ғазабидан қутқаради.

2–БОБ

Павлуснинг Салоникада қилган ишлари

1 Биродарлар, ўзларингиз биласиз, сизларнинг олдингизга келганимиз беҳуда
бўлмади. 2 Яна ўзингизга маълумки, биз Филиппи шаҳрида* кўп азоб чеккандик,
ҳақоратларга учрагандик. Аммо кўп қаршиликларга қарамай, Худонинг
Хушхабарини сизга айтдик*, чунки Худонинг Ўзи бизга жасорат берган эди. 3 Биз
сизларга таълим берганимизда, бизда на хатолик, на нопок ният, на бирон ҳийла
бор эди. 4 Ахир, Худо Хушхабарни бизга ишониб топширди, уни етказиш учун
бизни лойиқ топди. Шундай экан, биз инсонларни мамнун қилайлик деб эмас,
балки юракларимизни текширадиган Худони мамнун қилайлик, дея таълим
берамиз. 5 Ўзларингиз биласиз, биз ҳеч қачон тилёғламалик қилмадик,
тамагирлик ниятида гапирмадик. Худонинг Ўзи бунга шоҳид. 6 Биз ҳеч кимнинг
— сизларнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам мақтовига сазовор бўлайлик деб, иш
қилмадик.
7 Масиҳнинг ҳаворийлари сифатида биз сизларнинг олдингизга талаблар
қўйишимиз мумкин эди. Аммо биз сизларга болаларини ардоқлаган эмизикли
онадай меҳрибон бўлдик. 8 Сизларга жуда қаттиқ кўнгил боғлаган эдик. Шунинг
учун сизларга Худонинг Хушхабарини айтибгина қолмадик, балки юрагимиздан
ҳам жой бердик. Чунки сизлар бизга жуда азиз бўлиб қолгандингиз. 9 Эй
биродарлар, машаққат билан меҳнат қилганимиз ёдингизда бўлса керак.
Сизларга Худонинг Хушхабарини айтаётганимизда ҳеч бирингизга юк бўлмайлик,
дея кечаю кундуз ишладик.
10 Сиз — имонлилар билан бўлган муносабатимизда қандай покдил, солиҳ ва
бенуқсон бўлганимизга ўзингиз ҳам, Худо ҳам гувоҳ. 11 Яна ўзингиз биласизки, ота
фарзандига қандай муомала қилса, биз ҳам ҳар бирингизга шундай муомалада
бўлдик. 12 Сизларга далда бердик, юпатдик. Худони мамнун қиладиган ҳаёт
кечиринг, деб сизларга ёлвордик. Ахир, У сизларни Ўз Шоҳлигига ва
улуғворлигига чорлаяпти. 13 Биз тинмай Худога шукур қилишимизнинг сабаби
ҳам шудир. Биздан Худонинг каломини эшитганингизда, буни инсон сўзи
сифатида эмас, балки Худонинг каломи сифатида қабул қилдингиз. Бу калом
ҳақиқатан Худонинг каломидир. Сиз, имонлиларда бу калом ўз таъсирини
кўрсатяпти.
14 Эй биродарлар, сизлар Худонинг Исо Масиҳга тегишли бўлган Яҳудия

ўлкасидаги жамоатларидай бўлдингиз. Улар яҳудийлардан қандай азоб чеккан бўлсалар, сизлар ҳам ўз юртдошларингиз томонидан шундай азобларга йўлиқдингиз. 15-16 Яҳудийлар пайғамбарларни ва Раббимиз Исони ўлдиришган. Бизни ҳам қувғин қилишди. Ғайрияҳудийларга нажот Хушхабарини етказишимизга ҳам тўсқинлик қиляптилар. Улар Худони мамнун қилмаяптилар, барча инсонларга қарши чиқяптилар. Мана шу ишлари орқали яҳудийларнинг гуноҳлари авжига чиқди. Ва ниҳоят, Худонинг ғазаби уларнинг бошига тушди.

Павлус Салоника жамоатини бориб кўриш истагида

17 Эй биродарлар, энди биз дилимиз билан бўлмаса–да, вужудимиз билан қисқа бир муддатга сизлардан айрилдик. Аммо сизларни жуда соғиниб, дийдорингизни кўришга жон–жаҳдимиз билан ҳаракат қилдик. 18 Ҳа, биз қайта–қайта сизнинг олдингизга бормоқчи бўлдик. Айниқса мен, Павлус, боришни жуда хоҳлагандим, лекин шайтон бунга йўл қўймади. 19 Ахир, бизнинг умидимиз ва қувончимиз ким?! Раббимиз Исо келганда, Унинг олдида фахр тожимиз сизлар эмасми?! 20 Ҳа, сизлар бизнинг шарафимиз ва қувончимизсиз!

3–БОБ

1-3 Охири чидай олмай, укамиз Тимўтийни олдингизга юборишга қарор қилдик. Ўзимиз эса Афина шаҳрида қолдик*. Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни тарғиб этишдаги Худонинг хизматида Тимўтий бизнинг ҳамкоримиздир.
Азоб–уқубатлар туфайли йўлдан тоймаслигингиз учун Тимўтий сизларни имонда мустаҳкамлаб, далда берсин, дедик. Қийинчиликларга учрашимиз пешанамизга ёзилганини ўзингиз биласиз–ку! 4 Ахир, азоб–уқубатларга учраймиз, деб олдингизда бўлганимизда сизларни огоҳлантиргандик. Мана, биз айтганимиздек бўлди. 5 Шунинг учун ортиқча сабр қила олмай, имонингиз ҳақида билиб келсин деб, Тимўтийни юбордим. Шайтон сизларни васвасага солиб, ишимизни бекор қилган бўлса керак, деб қўрққан эдим.

6 Мана, Тимўтий сизларнинг олдингиздан қайтиб келди*. Бизга сизларнинг имонингиз ва севгингиз ҳақида яхши хабар олиб келди. Биз сизларни соғинганимиздек, сизлар ҳам бизни соғиниб қолибсиз. Бизни яхши сўзлар билан эслар экансиз. Тимўтий буларни бизга айтиб берди. 7 Шундай қилиб, биродарлар, қийинчиликлар ва азоб–уқубатларда бўлсак ҳам, сизларнинг имонингиз ҳақида эшитиб, анча тасалли топдик. 8 Раббимиз Исога бўлган имонингиз қатъий экан, энди биз енгил нафас олиб яшаймиз. 9 Сизлар туфайли биз Худо олдида қувончга тўлиб юрибмиз. Шундай экан, қандай қилиб Худога ўз миннатдорчилигимизни билдирмай тура оламиз?! 10 Сизлар билан яна дийдор кўришайлик, имонингизга имон қўшайлик деб, кечаю кундуз жон–жаҳдимиз билан ибодат қиляпмиз.

11 Отамиз Худонинг Ўзи ва Раббимиз Исо сизларнинг олдингизга боришимиз учун йўл очсин. 12 Сизга бўлган меҳримиз тўлиб–тошгани каби, Раббимиз сизларнинг ҳам бир–бирингизга ва бошқа ҳаммага бўлган меҳр–муҳаббатингизга қалбингизни тўлдириб–тоширсин. 13 Шунда қалбларингиз собит бўлади, Раббимиз Исо Ўз фаришталари* билан келганда, сизлар Отамиз Худо олдида айбсиз ва пок тура оласизлар.

4–БОБ

Худони мамнун қиладиган ҳаёт кечиринг

1 Хуллас, эй биродарлар, сизлар Худони мамнун қилиб яшашни биздан

ўргандингиз. Ҳа, шу тарзда яшаяпсиз ҳам. Аммо Раббимиз Исо номидан сизларга ёлворамиз, Худони янада кўпроқ мамнун қилишга астойдил ҳаракат қилаверинг.
2 Раббимиз Исо бизга берган ваколат билан сизларга қандай йўл–йўриқ кўрсатганимизни биласиз. 3 Сизларнинг муқаддас бўлишингиз Худонинг иродасидир. Шунинг учун жинсий ахлоқсизлик қилманг.
4 Ҳар бирингиз муқаддаслик ва иззат–ҳурматга лойиқ тарзда ўзингизни тута билишингиз керак. 5 Худони билмаган бутпарастлардай шаҳвоний ҳирсга қул бўлманг. 6 Жинсий ҳаёт тарзига келганда, ўз биродарларингизнинг ишончини суиистеъмол қилманг, уларга хиёнат қилманг. Бундай қилганларни Эгамиз жазолайди. Биз сизларга бу ҳақда олдиндан айтиб, қаттиқ огоҳлантирганмиз.
7 Худо бизни ҳаром йўлдан юришга эмас, балки муқаддас бўлиб яшашга чақирди.
8 Шундай экан, ким мана шу таълимни рад этса, инсонларни эмас, сизларга Ўз Муқаддас Руҳини берадиган Худони рад қилган бўлади.
9 Ўзаро муҳаббат ҳақида эса сизларга ёзишнинг ҳожати йўқ, чунки бир–бирингизни яхши кўришни сизлар Худодан ўргангансизлар. 10 Зотан, сизлар Македония* ҳудуди бўйлаб яшовчи барча биродарларингизга ҳам шундай муносабатда бўляпсизлар. Лекин шунга қарамай, уларни янада кўпроқ яхши кўринг, деб ундаймиз. 11 Сизларга айтганимиздай, осойишта ҳаёт кечиришни, ўз ишингиз билан машғул бўлишни, қўлларингиз меҳнати билан тирикчилик қилишни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйинг. 12 Шунда Раббимиз Исога ишонмайдиганларнинг иззат–ҳурматини қозонасиз ва бошқаларнинг қўлига қараб қолмайсиз.

Раббимиз Исонинг келиши

13 Биродарлар, умидсиз яшаётган бошқа одамлар каби, қайғуга тўлманг деб, бу оламдан ўтганлар ҳақидаги ҳақиқатни сизларга билдиришни хоҳлаймиз. 14 Биз Исонинг ўлиб, тирилганига ишонамиз. Шундай экан, Исога ишонган ҳолда ҳаётдан кўз юмган имонлиларни ҳам Худо тирилтириб, Ўз олдига олиб кетишига аминмиз. Бу воқеа Исо келганда юз беради. 15 Раббимиз Исонинг таълимоти бўйича сизларга айтамизки, ўша пайтда биз — ҳали тирик бўлганлар ўлган биродарларимиздан олдин эмас, балки улар билан бирга Исони қаршилаб оламиз.
16 Зотан, Раббимиз Исо Масиҳ буюк бир садо, бош фариштанинг овози ва Худонинг карнайи садоси остида самодан тушиб келганда, биринчи бўлиб Унга ишонган ҳолда ўлганлар тирилади. 17 Сўнг биз — ҳали тирик бўлганлар ҳавода Раббимизни қаршилаб олиш учун улар билан бирга булутларда кўтариламиз. Шундай қилиб, ҳаммамиз Раббимиз билан абадий бирга бўламиз. 18 Шунинг учун мана шу сўзлар билан бир–бирингизга далда беринг.

5–БОБ

Раббимиз Исо Масиҳнинг келишига тайёр бўлинг

1 Биродарлар, булар қачон, қайси пайт содир бўлиши ҳақида сизларга ёзишимизнинг ҳожати йўқ. 2 Ахир, Раббимиз Исо, кечаси ўғри тушгандай, ногаҳон келишини ўзингиз биласиз–ку! 3 Ҳомиладор аёлнинг тўлғоқ оғриқлари кутилмаганда келгандай, одамлар: “Ҳамма ёқ тинч, осойишта”, деб юрганларида, бирданига бошларига ҳалокат тушади. Улар қочиб қутула олмайдилар. 4 Бироқ, биродарлар, сизлар зулматда юрмайсизларки, бу кун ўғрига ўхшаб, кутилмаганда келиб, сизларни ҳайратда қолдирса! 5 Сизлар ёруғликда яшайсиз, ҳаммангиз кундуз кунга тегишлисиз. Ахир, биз зулматга, тунга тегишли эмасмиз. 6 Шунинг учун бошқаларга ўхшаб ухлаб қолмайлик. Биз уйғоқ, ҳушёр бўлишимиз керак.

7 Чунки ухлайдиганлар кечаси ухлайди, ичкиликка берилганлар ҳам кечаси ичади.
8 Биз эса кундуз кунга тегишли эканмиз, келинглар, имон ва севги совутини,
бошимизга нажот умиди дубулғасини кийиб, ҳушёр турайлик. 9 Чунки Худо бизни
ғазабга учрасин деб эмас, балки Раббимиз Исо Масиҳ орқали нажот топишимиз
учун тайинлади. 10 Биз тирик бўлсак ҳам, ҳаётдан кўз юмсак ҳам, У билан бирга
яшашимиз учун Раббимиз Исо биз учун ўлди. 11 Шунинг учун ҳам ҳозир
қилаётганингиздек, бундан кейин ҳам бир–бирингизга далда бериб, куч ва ғайрат
бағишланг.

Сўнгги йўл–йўриқлар

12 Биродарлар, сизлардан ўтинамиз: орангизда ишлаб, Раббимиз Исонинг
йўлида сизларга етакчилик қилаётган, йўл–йўриқ кўрсатаётганларни ҳурмат
қилинг. 13 Қилаётган ишлари учун уларни севиб, эъзозланг. Бир–бирингиз билан
тинч–тотув яшанг. 14 Эй биродарлар, сизлардан ўтиниб сўраймиз: ишёқмасларни
огоҳлантиринг, журъатсизларга далда беринг, заифларга ёрдам кўрсатинг,
ҳаммага сабр–тоқатли бўлинг. 15 Ҳеч бирингиз ёмонликка ёмонлик қайтарманг,
балки ҳар доим бир–бирингизга ва ҳаммага яхшилик қилишга интилинг.
16 Ҳамиша хурсанд бўлиб юринглар. 17 Тинмай ибодат қилинглар. 18 Ҳар қандай
шароитда ҳам Худога шукур қилинглар, чунки сизлар, яъни Исо Масиҳга имон
келтирганлар учун Худонинг иродаси шудир.
19 Муқаддас Руҳнинг ўтини сўндирманглар. 20 Башоратларни камситманглар.
21 Ҳаммасини текшириб кўринглар. Яхшиликни маҳкам тутиб, 22 ҳар қандай
ёмонликдан қочинглар.
23 Тинчлик манбаи бўлган Худонинг Ўзи сизларни бутунлай покласин.
Раббимиз Исо Масиҳ келгунча, бутун руҳингиз, жонингиз ва танангиз бенуқсон
сақлансин. 24 Сизларни даъват қилган Худо садоқатлидир, У ҳар доим Ўз
айтганини бажаради. 25 Биродарлар, биз учун ибодат қилинг. 26 Ҳамма биродарлар
билан ўпишиб кўришинглар. 27 Раббимиз номи билан сизларга буюраман, мана
шу хатни барча биродарларга ўқиб беринглар. 28 Раббимиз Исо Масиҳнинг иноятi
сизларга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

1:1 *Силас* — юнонча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Силванус*. Силас илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафарида унга ҳамроҳ эди (Ҳаворийлар 15:22, 32, 36-41 га қаранг).

1:1 *Тимўтий* — илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг ҳамкори (Ҳаворийлар 16:1-3, Филиппиликлар 2:20-22 га қаранг).

1:1 *Худонинг* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Отамиз Худонинг ва Раббимиз Исо Масиҳнинг*.

1:7 *Македония ва Ахая вилоятлари* — Рим империясига қарашли икки вилоят. Македония жануб томондан Ахая билан чегарадош бўлиб, пойтахти Салоника эди.

2:2 *Филиппи шаҳри* — Филиппи ва Салоника шаҳарларининг иккаласи ҳам Македонияда жойлашган. Ҳаворийлар 16:16-40 га қаранг.

2:2 *...Худонинг Хушхабарини сизга айтдик...* — Ҳаворийлар 17:1-9 га қаранг.

3:1-3 *...Афина шаҳрида қолдик* — Ҳаворийлар 17:13-16 га қаранг.

3:6 *...Тимўтий сизларнинг олдингиздан қайтиб келди* — Павлус бу пайтда Афинадан Коринфга келган эди. Тимўтий Салоникадан қайтиб, Коринфга, Павлуснинг олдига борган (Ҳаворийлар 18:1, 5 га қаранг).

3:13 *Ўз фаришталари* — бу ўринда ишлатилган юнонча сўз Худонинг халқини назарда тутган ҳолда, *Ўз азизлари* деб таржима қилинса ҳам бўлади. Қиёслаш учун Матто 25:31, Марк 8:38, 2 Салоникаликлар 1:7-8 га қаранг.

4:10 *Македония* — 1:7 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

5:28 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
САЛОНИКАЛИКЛАРГА
ИККИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Павлус Салоникадаги жамоатга ёзган ушбу иккинчи мактубини биринчи мактубдан кейин, қисқа вақт оралиғида юборади. Мактубнинг бошида Павлус имонли биродарларига далда беради, уларни қийинчилик ва азоб–уқубатларга қарамай, имонда маҳкам туришга ундайди.

Сўнг Павлус Раббимиз Исонинг келиши ҳақида биринчи мактубида баён қилган мавзуни батафсил тушунтиришга ўтади, чунки Салоникаликлар орасида “Раббимиз келди” деган гап юрган экан. Бундан хабар топган Павлус уларга, Масиҳ ҳали келгани йўқ, деб айтади. Павлус, Масиҳ келишидан олдин бир қатор ҳодисалар рўй бериши керак, деб таъкидлайди, чунончи, одамлар Худога қарши бош кўтаради, қабиҳ одам келиб, Маъбадда Худонинг ўрнини эгаллайди, оқибатда, ёвузлик ва фосиқлик дунёда авж олади. Шундан сўнггина Исо келиб, қабиҳ одамни бир нафаси билан йўқ қилади. Мактубнинг сўнгги сатрларида Павлус имонлиларни дангаса бўлмасликка, ҳалол меҳнат қилишга, яхшилик қилишдан чарчамасликка ундайди.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳнинг Салоника шаҳридаги имонлилар
жамоатига Павлус, Силас ва Тимўтийдан* салом! 2 Отамиз Худо ва Раббимиз Исо
Масиҳ сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Исо Масиҳ келганда бўладиган ҳукм

3 Биродарлар, сизлар учун ҳар доим Худога шукр қилишни бурч деб биламиз.
Шундай қилишимиз жуда ўринли, чунки сизларнинг имонингиз кундан–кунга
ўсиб боряпти, бир–бирингизга ва бошқа ҳаммага меҳр–муҳаббатингиз ошяпти.
4 Шунинг учун биз Худонинг жамоатлари олдида сизлар билан фахрланамиз.
Ахир, сизлар қувғинлару азоб–уқубатларга сабр–тоқат ва имон билан бардош
беряпсиз. 5 Худонинг Шоҳлиги йўлида азоб чекяпсиз, шундай экан, Худо сизларни
Ўз Шоҳлигига лойиқ топиб, унга эриштиради. Оқибатда эса Унинг одил ҳукми
ҳаммага аён бўлади. 6 Ҳа, Худо одилдир, сизларни азоблаганларга У азоб беради.
7-8 Азоб чекаётган сизларга эса Ўз тинчлигини ато қилади, сизлар қатори бизга
ҳам тинчлигини беради. Буларнинг ҳаммаси Раббимиз Исо Ўзининг қудратли
фаришталари билан, ловуллаб турган аланга ичида, кўкдан зоҳир бўлганда рўй
беради. Худони рад этганларни ва Ўзи ҳақидаги Хушхабарга қулоқ солмаганларни
Исо Масиҳ жазолайди. 9 Ўша одамлар Раббимиз Исонинг ҳузури ва қудратли
улуғворлигидан айрилиб, абадий ҳалокат жазосини оладилар. 10 Ўша куни
Раббимизни Унинг муқаддас халқи улуғлайди. Унга ишонган ҳамма одамлар Уни
мадҳ қилади. Сизлар ҳам ўша инсонларнинг қаторига кирасиз, чунки биз айтган
хабарга ишондингиз. 11 Шундай экан, Худойимиз сизни Ўз чақириғига лойиқ деб
топсин, Ўз қудрати билан сизларнинг барча яхши ниятларингизни рўёбга
чиқарсин, имон билан қилган ишларингизни амалга оширсин, деб биз доим

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

сизлар учун ибодат қиламиз. 12 Раббимиз Исонинг номи орангизда улуғлансин,
сизлар эса Худойимиз ва Раббимиз Исо Масиҳнинг иноятиби лан У орқали
улуғланинглар, деб ибодат қиламиз.

2–БОБ

Қабиҳ одам

1 Раббимиз Исо Масиҳнинг келиши ва бизнинг У билан бирга бўладиган
кунимиз ҳақида қуйидагиларни айтсак: биродарлар, сизлардан ўтиниб сўраймиз,
2 Раббимиз келибди деган гаплар бошингизни айлантирмасин, сизларни
хавотирга солмасин. Эҳтимол, бундай гаплар башорат орқали, бирор хабар ёки
худди биз ёзган хатга ўхшаш бир хат орқали келиб чиққандир. 3 Ҳеч ким сизларни
ҳеч қандай усул билан алдамасин. Кўпчилик Худога қарши бош кўтармагунча ва
қабиҳ одам келмагунча, ўша кун келмайди. Ўша одам ҳалокатга маҳкум қилинган.
4 У ҳар қандай “худо” деб аталган ва сажда қилинган нарсага қарши чиқиб, ўзини
улардан устун қўяди. Ҳаттоки, Худонинг Маъбадида ўтириб олиб, ўзини худо деб
атайди.

5 Сизлар билан бўлганимда шуларни айтганим эсингизда йўқми? 6 Ўша қабиҳ
одамни ҳозир нима тутиб турганини ўзингиз биласиз. Бу одам белгиланган
вақтда зоҳир бўлади. 7 Ҳа, қабиҳликнинг яширин кучи аллақачон ишга тушган.
Бироқ бир зот бу кучни тийиб турибди. Ўша зот олиб ташлангандан кейин,
8 қабиҳ одам ошкор қилинади. Уни Раббимиз Исо бир нафас билан ҳалок қилади.
Раббимиз келганда, Ўз улуғворлигининг ёрқинлиги билан уни йўқ қилиб
ташлайди. 9 Ўша қабиҳ одам шайтоннинг кучи билан келади. Қудратини кўрсатиб,
ҳар хил мўъжизаю ажойиботлар қилади. 10 Ҳалок бўлаётганларни турли
макр–ҳийлалар билан алдайди. Улар нажот берадиган ҳақиқатни рад қилганлари
учун, уни севмаганлари учун ҳалок бўляптилар. 11 Мана шунинг учун Худо уларни
адаштирадиган бир кучга топшириб қўяди. Шунда улар ёлғонларга ишониб
юраверадилар. 12 Натижада, ҳақиқатга ишонмай, ёвузликдан завқ топганларнинг
ҳаммаси ҳукм қилинади.

Имонингиз қатъий бўлсин

13 Эй Эгамиз севган биродарлар! Сизлар учун ҳар доим Худога шукр қилишни
бурч деб биламиз. Ахир, Муқаддас Руҳ кучи билан поклансин ва ҳақиқатга
ишонсин деб, Худо сизларни бошиданоқ нажот учун танлаган эди. 14 Раббимиз
Исо Масиҳнинг улуғворлигидан баҳраманд бўлишингиз учун биз айтган
Хушхабар орқали Худо сизларни чақирди. 15 Шунинг учун, эй биродарлар,
имонингиз қатъий бўлсин. Биз гапларимиз ва хатларимиз орқали сизларга
ўргатган ҳақиқатни маҳкам тутинглар.

16 Бизни севадиган, Ўз иноятиби лан бизга тенгсиз жасорат ва барқарор умид
берган Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳнинг Ўзи 17 сизларга далда берсин, ҳар
бир қилган яхши ишингиз ва сўзингизда сизларга куч ато қилсин.

3–БОБ

Биз учун ибодат қилинглар

1 Эй биродарлар, хатимиз ҳам ниҳоясига етиб қолди. Биз учун ибодат
қилинглар, худди сизларнинг орангизда бўлгани каби, Раббимиз Исо ҳақидаги
Хушхабар тарқалаверсин ва иззат–ҳурмат билан қабул қилинсин. 2 Худо бизни
ёмон ва ёвуз одамлардан қутқариши учун ҳам ибодат қилинглар, чунки ҳамма

ҳам имонли эмас. 3 Аммо Раббимиз Исо садоқатлидир. У сизларни кучга тўлдириб,
ёвуз шайтондан ҳимоя қилади. 4 Сиз ҳақингизда Раббимиз бизда ишонч ҳосил
қилди. Биз аминмизки, буюрганларимизни бажаряпсизлар ва бажаришда давом
этасизлар. 5 Раббимиз Исо Масиҳ юракларингизни Унга содиқ бўлишга ва Худони
севишга йўналтирсин.

Ишлаган тишлайди

6 Биродарлар, Раббимиз Исо Масиҳ номи билан сизларга буюрамиз:
дангасалик қилаётган, биз берган таълимотларга кўра яшамаётган
биродарлардан узоқроқ юринг. 7 Биздан қандай ўрнак олишингиз кераклигини
ўзингиз биласиз. Сизларнинг орангизда бўлганимизда дангасалик қилмадик.
8 Бировнинг нонини бекорга емадик. Аксинча, бошқаларга оғирлигимиз
тушмасин деб, кечаю кундуз ишладик. Машаққат билан меҳнат қилдик. 9 Албатта,
сизлардан бирор нарса талаб қилишга ҳақимиз йўқлиги учун эмас, балки
сизларга намуна бўлиш учун шундай қилдик. 10 Ахир, сизлар билан бўлганимизда:
“Ишламаган тишламайди!” деб айтган эдик–ку!

11 Эшитишимизча, баъзи бирларингиз ялқовлик қилаётган экансиз.
Бошқаларнинг ишларига аралашишдан бошқа нарсани билмас эмишсиз. 12 Мана
шундай одамларга Исо Масиҳ номи билан буюриб айтамизки, тинчгина ўз
ишларингиз билан машғул бўлинг, нонни пешана терингиз билан топиб енг.
13 Сизлар эса, биродарлар, ҳеч қачон яхшилик қилишдан чарчаманглар.

14 Ушбу хатимиздаги йўл–йўриқларга қулоқ солмаганларни кўз остингизга
олиб қўйинг. Бундай одамларни уялтириш учун улар билан алоқада бўлманг.
15 Уларни душман ҳисобламанг, балки биродар сифатида огоҳлантиринг.

Хотима

16 Тинчлик манбаи бўлган Раббимиз Исонинг Ўзи сизларга ҳар доим ва ҳар
йўсинда тинчлик берсин. Раббимиз ҳаммангизга ёр бўлсин.

17 Мен, Павлус, мана шу мактубнинг якунини ўз қўлим билан ёзяпман*. Ҳар
бир ёзган мактубимнинг ўзига хос белгиси шудир. 18 Раббимиз Исо Масиҳнинг
иноятиҳаммангизга ёр бўлсин!*

ИЗОҲЛАР

1:1 *Силас…Тимўтий* — 1 Салоникаликлар 1:1 нинг биринчи ва иккинчи изоҳларига қаранг.

3:17 *…шу мактубнинг якунини ўз қўлим билан ёзяпман* — 1 Коринфликлар 16:21 изоҳига қаранг.

3:18 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
ТИМЎТИЙГА
БИРИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус бу мактубини ўз ўғлидай бўлиб қолган яқин хизматдоши ва ёрдамчиси Тимўтийга ёзган. Мактуб ёзилган пайтда Тимўтий Эфес шаҳрида эди.

Тимўтий Листралик эди. Листра шаҳри ҳозирги Туркия ҳудудида жойлашган. Тимўтийнинг онаси Исо Масиҳга имон келтирган яҳудий, отаси эса юнон эди. Тимўтий Павлус билан бирга Эфес ва Коринф шаҳарларига, шунингдек, Македонияга бориб, Хушхабарни тарғиб қилиш хизматида Павлусга ёрдам берганди. Сафарга чиқишларидан олдин Павлус яҳудийларни васвасага солмаслик учун Тимўтийни суннат қилдирганди (Ҳаворийлар 16:1-3 га қаранг). Тимўтий ҳаворий ҳисобланмаса–да, имонлилар жамоати учун кўп хизмат қилган садоқатли масиҳий бўлган.

Павлус ушбу мактубида Тимўтийга кўп насиҳатлар беради, Эфесдаги жамоатга қандай ғамхўрлик қилиш кераклигини ўргатади. У биринчи навбатда Тимўтийни сохта таълимотлар тўғрисида огоҳлантиради. Ўша даврда жамоатларда сохта таълимотлар кенг тарқалганди. Бу таълимотлар яҳудийлар ва ғайрияҳудийларнинг эътиқодлари чатишувидан пайдо бўлиб, моддий дунё ҳаром, нажотга эса фақат сирли билимни ўзлаштириш орқали эришса бўлади деган ғояни илгари сурарди. Бундай бидъатлар баъзи овқатларни истеъмол қилишни ва уйланишни ман этарди. Павлус бу таълимотларни фош этиб, Тимўтийга ҳақиқий художўйлик билан ҳаёт кечириш ҳақида насиҳат қилади.

Мактубнинг давомида Павлус дуо ва ибодатларга оид кўрсатмалар беради, жамоатдаги тартиб, жамоат етакчилари ва хизматчиларига зарур бўлган хислатлари ҳақида сўз юритади, ёшу қарилар, бевалар, оқсоқоллар, қул ва хўжайинлар орасидаги муносабатларга оид маслаҳатлар беради, бой биродарларга насиҳат қилади. Павлус мактубини Тимўтийга берган сўнгги панд–насиҳатлари билан якунлаб, Тимўтийнинг зиммасидаги вазифаларини эслатиб ўтади.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Нажоткоримиз Худонинг ва биз умид боғлаган Исо Масиҳнинг амрига кўра,
Масиҳнинг ҳаворийси этиб тайинланган мен — Павлусдан 2 имондаги содиқ
ўғлим Тимўтийга* салом! Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ сенга иноят,
марҳамат ва тинчлик ато қилсин.

Сохта таълимотлардан эҳтиёт бўл

3 Мен Македонияга кетаётганимда, сенга тайинлаганимдай, Эфес шаҳрида қол.
У ердаги баъзи кишилар сохта таълимотни ўргатаётган эканлар. Уларнинг бу
қилмишларига барҳам бер. 4 Уларга, афсоналар ва шажаралар* хусусидаги
бемаъни баҳслар билан банд бўлманглар, деб буюр. Ахир, бундай баҳслар фақат
жанжалларга сабаб бўлади. Одамлар Худонинг нажот режасини англашларига

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

булар ёрдам бермайди. Зеро, инсон Худонинг нажотини имон орқалигина англаб олади. 5 Мен бу насиҳатим билан сизларда меҳр–муҳаббат уйғотмоқчиман. Меҳр–муҳаббат соф юракдан, тоза виждондан, холис имондан ҳосил бўлади. 6 Орангиздаги баъзи одамлар эса булардан юз ўгириб, аҳмоқона баҳсларга берилиб кетганлар. 7 Улар одамларга Худонинг қонунини* ўргатишни орзу қиладилар, қонунга тиши ўтмаса–да, у ҳақда сўзлаб, ишонч билан гапирадилар.

8 Биз биламизки, қонундан Худо кўзлагандай фойдаланилса қонун яхшидир! 9 Худонинг қонуни солиҳлар учун эмас, балки қонунсизу итоатсизлар учун берилгани ҳаммамизга маълум. Дарҳақиқат, қонун бетавфиқу гуноҳкорлар, диёнатсизу худобезорилар, ота ёки онасини ўлдирганлар, қотиллар, 10 фаҳшбозлар, баччабозлар, одам савдоси билан шуғулланувчилар, ёлғончилару сохта гувоҳлик берувчилар, хуллас, соғлом таълимотга зид иш қилаётганларнинг ҳаммаси учун берилган. 11 Худо менга ишониб топширган бу ҳақиқат Хушхабарда баён қилинган. Муборак Худонинг улуғворлиги Хушхабарда аён этилган.

Павлус Худога шукрона айтади

12 Ишимни бажаришда менга куч–қувват берган Раббимиз Исо Масиҳга шукурлар айтаман. У мени ишончли деб билиб, Ўз хизматига олгани учун ғоятда миннатдорман. 13 Мен илгарилари Масиҳга қарши чиқар эдим, Унинг издошларини таъқиб этиб, уларга жабр–зулм қилардим. Бироқ, шуларга қарамай, Худо менга раҳм қилди, ахир, мен Масиҳга ишонмаганим учун нима қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. 14 Раббимиз Исо Масиҳ менга чексиз иноят кўрсатди. Унинг Ўзи менга имон ато қилиб, меҳру оқибатни ўргатди. 15 “Исо Масиҳ гуноҳкорларни қутқариш учун дунёга келди” деган гап тўғри ва асослидир, ҳар жиҳатдан қабул қилинишга лойиқдир. Мен ўзим ўша гуноҳкорларнинг энг ашаддийси эдим! 16 Аммо Исо Масиҳ менга раҳм қилди. Менга ўхшаган ўтакетган гуноҳкорларга нисбатан У ниҳоятда сабрли эканини кўрсатди, токи бошқалар ҳам мендан ибрат олиб, Унга ишонсинлар, абадий ҳаётга эга бўлсинлар. 17 Мангу Шоҳга ҳамду санолар бўлсин! Ўлмас, кўринмас, ягона Худога* абадулабад шон–шарафлар бўлсин! Омин.

18 Эй ўғлим Тимўтий, сен ҳақингда илгари айтилган башоратларга* биноан сенга буюраман: ўша башоратларга таяниб, улуғ курашда жанг қилгин. 19 Имонингни маҳкам тут, виждонли бўл. Баъзи одамлар виждонини сотдилар, уларнинг имони ҳалокатга учраган кемадай барбод бўлди. 20 Хуманаёс* ва Искандар шулар жумласидандир. Мен уларни шайтонга топширдим*. Бу уларга сабоқ бўлиб, улар Худога ва Унинг азизларига қарши чиқишни бас қиладилар.

2–БОБ

Дуо ва ибодатларга оид кўрсатмалар

1 Аввалambор, насиҳатим шуки, бутун инсоният учун илтижо қилинглар, тоат–ибодатда бўлиб, дуолар ўқинглар, шукроналар айтинглар. 2 Тақводор, обрў–эътиборли, осойишта, сокин ҳаёт кечиришимиз учун, ҳукмдорлару бошлиқлар учун ибодат қилинглар. 3 Бу хайрли иш бўлиб, нажоткоримиз Худога мақбулдир. 4 У ҳамма инсонларнинг нажот топишларини ва ҳақиқатни билиб олишларини истайди. 5 Зеро, ҳаммамизга маълумки,

Худо ягонадир,
Худо билан инсонлар орасидаги
Воситачи ҳам ягонадир.

Бу Воситачи Исо Масиҳдир.
У Ўзи инсон эди
6 Ва бутун инсониятни қутқариш учун
Ўз жонини фидо қилди.

Шу орқали Худо Ўзи белгилаган пайтда нажот режасини аён этди. 7 Мен нажот ҳақидаги бу хабарни эълон қилувчи ҳаворий этиб тайинландим. Тўғрисини айтяпман*, ёлғон гапираётганим йўқ! Ҳақиқатан ҳам, мен турли халқларга имон ва ҳақиқатни ўргатиш учун юборилганман.

8 Эркаклар* ҳамма жойда қўлларини дуога очиб, чин қалбдан ибодат қилсинлар. Улар ғазаб ва низодан йироқ бўлсинлар. 9 Хотинлар соддагина, дид билан кийинсинлар. Улар сочига ортиқча оро бермай, олтин ва марварид тақинчоқлар ёки қимматбаҳо кийимлар билан эмас, балки ор–номус билан безансинлар. 10 Художўй хотинларга муносиб хайрли ишлар билан ўзларига зеб берсинлар. 11 Таълим берилаётганда, хотинлар сукут сақласин, муаллимнинг гапини икки қилмасин*. 12 Хотин эркакка таълим беришига* ва унинг устидан ўз ҳукмини ўтказишига рухсат бермайман. Хотин сокин табиатли бўлсин. 13 Ахир, олдин Момо Ҳаво эмас, балки Одам Ато* яратилган–ку. 14 Одам Ато эмас, хотин шайтонга алданиб, гуноҳ қилди. 15 Ўшандан буён, хотинлар туққанда лаънат туфайли* дарду азоб чекадиган бўлдилар. Бироқ шунга қарамай, агар улар камтару бамаъни бўлишса, Масиҳга бўлган имонда собит қолиб, меҳр–оқибатли бўлиб, тақводор ҳаёт кечиришса, нажот топадилар.

3–БОБ

Жамоат етакчисининг хислатлари

1 “Имонлилар жамоатининг етакчиси бўлишга интилган инсон олижаноб ишни орзу қилган бўлади” деган гап тўғри ва асослидир. 2 Дарҳақиқат, бундай олижаноб вазифага тайинланадиган инсон яхши ном чиқарган бўлиши шарт. У ўз хотинига вафодор*, мулоҳазали, вазмин, одобли, меҳмондўст, таълим беришга қобилиятли бўлсин. 3 У майхўр, жаҳлдор, жанжалкаш эмас, балки мулойим, пулпарастликдан йироқ, 4 хонадонини яхши бошқарадиган, фарзандлари унга бўйсуниб ҳурмат қиладиган бўлсин. 5 Агар етакчи ўз хонадонини бошқара олмаса, Худонинг жамоатига қандай ғамхўрлик қила олади?! 6 Эндигина имонга кирган одам етакчи бўлмасин, тағин керилиб, иблиснинг ҳалокатли чангалига тушиб қолмасин*. 7 У жамоатга қарашли бўлмаган одамлар орасида ҳам ҳурмат–эътиборга эга бўлсин. Шунда у маломатга қолмайди, шайтоннинг тузоғига тушмайди.

Жамоат хизматчисининг хислатлари

8 Имонлилар жамоатининг хизматчилари ҳам ҳурматга сазовор, самимий инсонлар бўлишлари лозим. Улар майхўр ёки молпараст бўлмасинлар. 9 Худо бизга аён этган ҳақиқат бўйича яшаб, барча ишни виждонан бажарсинлар. 10 Улар аввал синовдан ўтиши керак. Агар камчиликсиз бўлсалар, хизматга тайинлансинлар. 11-12 Ҳар бир хизматчи ўз хотинига вафодор*, фарзандларини ва хонадонини яхши бошқарадиган одам бўлиши шарт. Хизматчи аёллар* ҳам ҳурматга сазовор бўлишлари лозим. Улар ғийбат қилмайдиган, майхўрликка берилмаган, ҳар нарсада ишончли бўлсинлар. 13 Жамоатдаги ўз хизматини яхши бажарганлар эл орасида таниладилар. Улар Исо Масиҳга бўлган имонда юксак жасоратга эга бўладилар.

Худо аён этган ҳақиқат

14-15 Мен яқин орада олдингга бораман деган умиддаман. Борди–ю, кечиксам, Худонинг хонадонида одамлар ўзларини қандай тутишлари кераклигини билишинг учун буларни сенга ёздим. Зеро, жамоат барҳаёт Худога тегишлидир, жамоат ҳақиқатнинг пойдевори ва устунидир. 16 Дарҳақиқат, Худо бизга аён этган ҳақиқат буюкдир. Асл художўйликнинг манбаи бўлмиш бу ҳақиқат қуйидагичадир*:

Масиҳ* ер юзига инсон бўлиб келди.
Янги, улуғвор ҳаёт учун ўликдан тирилиб,
Худонинг Ўғли деб тасдиқланди*.
У зоҳир бўлди фаришталарга*.
У ҳақдаги Хушхабар эълон этилди халқларга,
Дунё бўйлаб одамлар Унга имон келтирди.
Улуғворликка бурканиб У самога юксалди.

4–БОБ

Сохта устозларнинг ёлғон таълимоти фош этилади

1 Худонинг Руҳи яққол айтяптики, охирги замонларда баъзи одамлар имондан қайтадилар. Улар ёлғончи руҳларга ва жинлар таълимотига қулоқ соладилар. 2 Бундай таълимотни тарқатган одамлар риёкор ва ёлғончидирлар. Уларнинг виждони ўлган, гўё қиздирилган темир билан куйдирилиб йўқ қилинган. 3 Улар уйланишни ва эрга тегишни ман этадилар, маълум овқатларни тақиқлайдилар. Ҳолбуки, бу овқатларни Худо берган. Ҳақиқатни билиб олган имонлилар Унга шукрона айтиб, ейишлари учун яратган. 4 Чунки Худо яратган ҳар бир нарса яхшидир. Биз ҳеч бир таомни тақиқламай, шукрона айтиб, ҳаммасини ейишимиз лозим. 5 Биз овқатимиз учун Худога шукурлар айтганимизда, Худо барча озуқани ҳалол деб эълон қилганини эътироф этган бўламиз.

Исо Масиҳнинг содиқ хизматкори бўлгин

6 Сен бу насиҳатларимни биродарларингга ўргатсанг, Исо Масиҳнинг лаёқатли хизматкори бўласан. Ўзинг риоя қилаётган соғлом таълимотни ва имонимизнинг ақидаларини ўзлаштириб, руҳан озиқланиб борасан. 7 Сафсатабоз кампирларга хос бемаъни афсоналардан* юз ўгир. Художўй бўлишга астойдил ҳаракат қил. 8 Ахир, шундай бир мақол бор–ку: “Жисмоний машқ тана учун фойда берар, художўйлик эса ҳар томонлама фойда келтирар, у дунёю бу дунёда ҳаёт бахш этар.” 9 Бу гап тўғри ва асослидир, у ҳар жиҳатдан қабул қилинишга лойиқдир. 10 Одамлар абадий ҳаётга эга бўлишлари учун биз жон–жаҳдимиз билан хизмат қиляпмиз*. Барҳаёт Худога умид боғлаганмиз. У барча инсонларнинг, айниқса имонлиларнинг Нажоткоридир*.

11 Сен биродарларга таълим бергин, бу ўгитларга риоя қилишларини уларга ўргатгин. 12 Ёшсан деб, ҳеч ким сени камситмасин. Аксинча, ҳамманинг ҳурматини қозониш учун сен сўзда, юриш–туришда, меҳр–оқибатда, имонда ва ахлоқда имонлиларга ўрнак бўлгин. 13 Мен олдингга боргунимча жамоатда Муқаддас битикларни овоз чиқариб ўқишга*, насиҳат ва таълим беришга вақтингни бағишла. 14 Ўзингга берилган инъомга* эътиборли бўл, уни ишга сол. Ахир, сен бу инъомингни айтилган башоратлар ва оқсоқоллар устингга қўл қўйиб қилган дуолари натижасида олгансан.

15 Айтганларимнинг ҳаммасини амалда қўлла. Ўзингни бу вазифага

сидқидилдан бағишла, шунда сен Худонинг йўлида шахдам қадам билан, илдамлаб бораётганингни ҳамма кўради. 16 Ҳаёт тарзингга, нималар ўргатаётганингга эътибор қил. Бу фаолиятингни астойдил давом эттир, шундай қилсанг, ўзингни ҳам, тингловчиларингни ҳам қутқарасан.

5–БОБ

Имонлилар жамоатидаги муносабатларга оид кўрсатмалар

Ёшу қариялар

1 Ёши катта одамга қаттиқ гапирма, уни отанг ўрнида кўриб, ҳурмат билан насиҳат қил. Ёшларга укаларингдек, 2 кампирларга оналарингдек муносабатда бўл. Ёш аёлларни сингилларинг ўрнида кўриб, уларга покдиллик билан насиҳат қил.

Бевалар

3 Суянчиғи йўқ бева хотинларга ғамхўрлик қил. 4 Агар беванинг болалари ёки набиралари бор бўлса, улар, энг аввало, ўз оиласи олдидаги, Худо буюрган фарзни адо этиб, фарзандлик бурчини бажарсинлар, чунки бу Худога мақбулдир. 5 Ёлғиз қолган, суянчиғи йўқ бева хотин бутун умидини Худога боғлаб, кечаю кундуз тоат–ибодат қилади. 6 Аммо кайф–сафога берилиб кетган бева хотин руҳан ўликдир. 7 Беваларга ва уларнинг оила аъзоларига буларни ўргат, токи улар маломатга қолмасинлар. 8 Зеро, ўз қариндошларига, хусусан, оила аъзоларига ғамхўрлик қилмаган киши имонни инкор этган бўлади. У имонсиздан ҳам баттардир.

9 Туллар рўйхатига* фақатгина олтмиш ёшдан ошган, марҳум эрига вафодор бўлган* бева аёлларни кирит. 10 Бу аёллар қилган эзгу ишлари билан танилган, яъни болаларига яхши тарбия берган, мусофирларга меҳмондўст бўлган, Худо азизларининг оёқларини ювган*, қийналганларга ёрдам берган, ўзларини турли хил хайрли ишларга бағишлаган бўлишлари лозим.

11-12 Бева қолган ёшроқ хотинларни рўйхатга киритма. Чунки уларнинг эҳтироси жунбишга келганда, эрга тегишни истаб қоладилар. Шунда улар эрга тегмаслик ҳақидаги Масиҳга берган ваъдасини бузиб, одамлар орасида ёмон отли бўлиб қоладилар. 13 Бундан ташқари, улар бошқа бир хатарга йўлиқадилар: ялқовликка берилиб, уйма–уй юришга ўрганиб қоладилар. Шуниси етмагандай, ғийбат қилишга, бошқаларнинг ишига бурун суқиб, лозим бўлмаган нарсаларни гапиришга одатланадилар. 14 Шу сабабларга кўра, мен ёш беваларнинг эрга тегишини истардим. Улар бола туғиб, рўзғор ишлари билан машғул бўлсинлар, ғанимларимизнинг ёмон гапиришларига имкон яратиб бермасинлар. 15 Чунки шундоқ ҳам баъзи беваларимиз тўғри йўлдан озиб, шайтон йўлига кириб кетдилар.

16 Агар бирорта имонли аёлнинг* бева қолган қариндошлари бўлса, уларга ўзи ёрдам берсин, бу вазифани имонлилар жамоатига юкламасин. Шунда суянчиғи йўқ бева хотинларга жамоат яхшироқ ёрдам бера олади.

Жамоат оқсоқоллари

17 Имонлилар жамоатини яхши бошқараётган, хусусан, астойдил ваъз айтиб, таълим бераётган оқсоқоллар ҳурматга сазовордирлар, улар қилган меҳнатларига яраша тақдирлансинлар. 18 Зеро, Муқаддас битикларда: “Ғалла янчаётган ҳўкизнинг оғзини тўсманг”* ва “Меҳнаткаш иш ҳақини олишга муносибдир”*, — дейилган. 19 Икки ёки уч гувоҳ бўлмаса, ҳеч бир оқсоқолга

қўйилган айбни қабул қилма. 20 Гуноҳ қилиб юрган оқсоқолларни эса ҳамманинг олдида фош қилиб, тавбага чақир, токи бошқаларнинг ҳам дилига қўрқув кирсин.
21 Худо, Исо Масиҳ ва танланган фаришталар* ҳузурида сенга қатъий буюраман: ҳеч бир ишда юз–хотирчилик ва тарафкашлик қилмай, бу кўрсатмаларимга риоя қил.

22 Бирор одамни жамоат оқсоқоли вазифасига тайинлашга шошилма, тағин бировнинг гуноҳларига шерик бўлиб қолма. Ўзингни пок сақла. 23 Лекин сув ичиш билан чекланиб қолмай, озгинадан шароб ҳам ичиб тур*. Бу ошқозонингга яхши таъсир қилиб, тез–тез юз бераётган касалликларингнинг олдини олади. 24 Баъзи одамларнинг гуноҳлари ҳозирдан очиқ–ошкор бўлиб, ҳатто қиёмат кунидан олдин фош бўлмоқда. Бошқаларнинг гуноҳлари эса охиратда маълум бўлади.
25 Шунингдек, қилинган хайрли ишлар ҳам ошкордир. Баъзилари ошкор бўлмаса–да, барибир пинҳон қолмайди.

6–БОБ

Хўжайинлар ва қуллар

1 Қуллик бўйинтуруғи остида бўлганлар ўз хўжайинларини камоли эҳтиромга лойиқ ҳисобласинлар. Токи, ҳеч ким Худонинг номини ва таълимотини ҳақоратламасин. 2 Хўжайинлари имонли бўлган қуллар, “бир–биримизга биродармиз”, деб хўжайинларига ҳурматсизлик қилмасинлар. Аксинча, янада кўпроқ тиришиб, уларга хизмат этсинлар. Чунки азиз биродарлари бўлмиш хўжайинлари ўз қулларининг фаровонлигини кўзлаб, нонини бут қиляптилар.

Ана шу барча кўрсатмаларим ҳақида таълим бериб, насиҳат қил.

Сохта устозларнинг асл қиёфаси

3 Агар ким бегона таълимотни ёйса ва Раббимиз Исо Масиҳнинг ҳақиқий каломига қарши чиқиб, художўйликка чорловчи таълимотимизни рад этса, 4 у босар–тусарини билмай қолган нодондир. Бундай одам бирор масала борасида талашиш ва икир–чикир гаплар ҳақида баҳслашиш касалига йўлиққан, унинг ғаламисона гаплари ҳасад, жанжал, туҳмат, тубан гумонлар 5 ва тўполонларга сабаб бўлади. Фикри бузуқ бундай одамлар ҳақиқатдан маҳрумдирлар. Улар сохта художўйлигини фойда манбаи деб биладилар*. 6 Тўғри, художўйликдан фойда катта, қачонки биз бори билан қаноатлансак. 7 Ахир, биз бу дунёга ҳеч нарса олиб келмадик ва ундан ҳеч нарса олиб кета олмаймиз. 8 Қорнимиз тўқ, устимиз бут бўлса, шулар билан қаноат қилайлик. 9 Бойликка ўч бўлганлар эса васваса тузоғига тушадилар, улар кўп бемаъни ва зарарли ҳавасларга берилиб, ҳалокат гирдобига ғарқ бўладилар. 10 Пулпарастлик ҳар қандай ёмонликнинг негизидир. Мана, баъзилар бойлик кетидан қувиб, имондан қайтиб кетдилар ва ўзларини кўпгина азобларга дучор қилдилар.

Тимўтийга сўнгги буйруқлар

11 Эй Худонинг қули Тимўтий, сен эса ўзингни бу иллатлардан олиб қоч. Солиҳлик, художўйлик, имон, севги, сабр–тоқат ва мулойимликнинг пайида бўл.
12 Абадий ҳаётга эришиш мақсадида, имон учун бўладиган улуғ курашда жанг қил. Ахир, Худо сени абадий ҳаётга даъват этган. Сен бу ҳаётга эга бўлиш учун кўп гувоҳлар олдида Исо Масиҳга бўлган имонингни мардларча тан олгансан.
13 Пўнтий Пилат* қошида ҳақиқатни мардларча тан олган Исо Масиҳ ҳузурида ва бутун борлиққа ҳаёт бағишлаган Худо ҳузурида сенга буюраман: 14 зиммангдаги хизматингни ҳалоллик билан бажар. Раббимиз Исо Масиҳ келадиган кунгача

ўзингни гап тегмайдиган қилиб тут. 15 Ягона муборак Ҳоким бўлган Худо Ўзи
белгилаган пайтда Исо Масиҳни юборади. Худо шоҳларнинг Шоҳи,
ҳукмдорларнинг Ҳукмдоридир. 16 У ягона мангу Худодир. У яқинлашиб
бўлмайдиган нурда яшайди, Уни ҳеч бир инсон кўрмаган ҳамда кўриши мумкин
эмас. Абадий салтанат Соҳиби бўлган Худога шон–шарафлар бўлсин! Омин.

Бой биродарлар учун насиҳатлар

17 Бу дунёда бойлик топган биродарларга айт, мағрурланмасинлар, бевафо
бойликка умид қилмасинлар. Аксинча, умидини Худога боғласинлар. Худо бизга
ҳамма нарсани хурсанд бўлишимиз учун саховат билан беради. 18 Уларга буюр,
яхшилик қилсинлар, хайрли ишларга бой, сахий, очиқ қўл бўлсинлар. 19 Шунда
улар асл хазина тўплаб, келгуси дунё учун ўзларига мустаҳкам замин яратган
бўладилар, ҳақиқий ҳаётга эришадилар.

Тимўтийга сўнгги панд–насиҳатлар

20 Эй Тимўтий, сенга ишониб топширилган Хушхабарни* асрагин. Худодан
узоқлаштирадиган қуруқ гаплару ҳақиқатга зид бўлган таълимотлардан қочгин.
Баъзи одамлар адашиб, буларни “билим” деб атайдилар. 21 Бундай “билим”га
таянган баъзилар ҳақ йўлдан оздилар.

Худонинг иноятиси сизларга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

1:2 *имондаги содиқ ўғлим Тимўтий* — Тимўтий Павлуснинг ўз ўғли эмас эди. У Павлуснинг содиқ ёрдамчиси бўлгани учун Павлус уни, ўғлим, дерди. Ҳаворийлар 16:1-3, Филиппиликлар 2:20-22 га қаранг.

1:4 *афсоналар ва шажаралар* — Эски Аҳд қаҳрамонлари ҳақида халқ ичида тўқилган ҳикоялар ва таълимотлар назарда тутилган бўлиши мумкин. Бу ҳикоялар Эски Аҳдда йўқ, аммо кўпчилик уларни Худодан келган, катта аҳамиятга эга, деб айтардилар ва шуларга асосланиб таълим берардилар.

1:7 *Худонинг қонуни* — Эски Аҳдга, хусусан, Тавротга ишора.

1:17 *ягона Худо* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ягона доно Худо*.

1:18 *сен ҳақингда илгари айтилган башоратлар* — 4:14 да баён қилинган воқеага ёки ундан олдин содир бўлган бошқа бир ёзиб қолдирилмаган воқеага ишора.

1:20 *Хуманаёс* — 2 Тимўтий 2:17-18 га қаранг.

1:20 *Мен уларни шайтонга топширдим* — Павлус уларни жамоатдан ҳайдаб юборган. Бундан мақсад шу эдики, жамоатдан ташқарида улар шайтоннинг ва ўз гуноҳларининг ҳалокатли таъсири остида бўлиб, вақти келганда тавба қилишлари мумкин эди. Яна 1 Коринфликлар 5:4-5, 11-13 га қаранг.

2:7 *Тўғрисини айтяпман…* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Масиҳ ҳақи, тўғрисини айтяпман*.

2:8 *Эркаклар* — юнонча матнда *анер*. Бу сўзни *эрлар* деб таржима қилса ҳам бўлади. Одатда Павлус *анер* сўзини уйланган эркакларга нисбатан ишлатган. Шу бобнинг 8-15–оятларидаги кўп юнонча сўзлар 1 Бутрус 3:1-7 оятларда ҳам ишлатилган ва ҳар иккала китобдаги бу парчалар мазмунан бир–бирига жуда яқин. Бутрус ўша оятларда эр–хотинлик муносабатлари ҳақида таълим бергани боис, баъзи олимлар Павлуснинг бу ўриндаги таълимотини эр–хотинлик муносабатлари ҳақидаги таълимот деб тушунадилар. Яна шу бобнинг 11, 12–оятлари изоҳларига қаранг.

2:11 *Таълим берилаётганда, хотинлар сукут сақласин, муаллимнинг гапини икки қилмасин* — юнонча матнда *Хотин сукутда ва тўла итоаткорлик билан ўргансин*.

2:12 *Хотин эркакка таълим беришига…* — ёки *Хотин эрига буйруқ беришига….*

2:13 *Момо Ҳаво…Одам Ато* — Ибтидо 2:7, 18, 21-23, 3:1-13 га қаранг.

2:15 *…лаънат туфайли…* — Ибтидо 3:16 га қаранг.

3:2 *…ўз хотинига вафодор…* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *…бир аёлнинг эри….* Павлус яшаган даврда кўп хотинлик жамият томонидан қабул қилинмаган, шу боис кам учраган. Шунинг учун Павлус кўп хотинликни назарда тутмаган бўлиши мумкин. Бу юнонча иборани *фақат бир марта уйланган* деб ҳам таржима қилса бўлади. Аммо Павлус қайта турмуш қуришни ман этмаган, беваларга қайта турмуш қуришни маслаҳат берган (5:14 га ва Римликлар 7:1-3, 1 Коринфликлар 7:8-9, 39-40 га қаранг). Мана шу сабабларга кўра, Павлус бу ўринда етакчининг ўз хотинига вафодор қолишини назарда тутган бўлса керак.

3:6 *…иблиснинг ҳалокатли чангалига тушиб қолмасин* — ёки *иблисга ўхшаб жазо олмасин*, аммо шу бобнинг 7–оятига ва 1:20 га қаранг.

3:11-12 *…ўз хотинига вафодор…* — шу бобнинг 2–ояти изоҳига қаранг.

3:11-12 *Хизматчи аёллар* — юнонча матндаги сўз умуман аёл кишига, аниқроғи, турмушга чиққан аёлга нисбатан ишлатилади. Шунинг учун бу ўриндаги иборани *хизматчиларнинг хотинлари* деб ҳам таржима қилса бўлади. Бу ўринда Павлус жамоатдаги хизматчи аёлларни назарда тутган бўлиши мумкин (мисол учун, Римликлар 16:1 га қаранг).

3:16 *...бу ҳақиқат қуйидагичадир* — мазкур оятдаги шеърий парча масиҳийлар сажда қилиш пайтида ўз имонини тасдиқлаб айтган сўзлари ёки Худони улуғлаб айтган илк қўшиқларидан бири бўлиши мумкин.

3:16 *Масиҳ* — юнонча матнда *У*. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худо*.

3:16 *Янги, улуғвор ҳаёт учун ўликдан тирилиб, Худонинг Ўғли деб тасдиқланди* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *У руҳда тасдиқланди*. Бу ўринда *руҳда* сўзи инсоннинг тирилган танадаги янги ҳолатига ишора қилади. Исо Масиҳнинг ўликдан тирилгани Уни ҳақиқатан Худонинг Ўзи юборганини ва Исо Худонинг Ўғли эканини тасдиқлайди (Римликлар 1:4 га қаранг, яна Юҳанно 2:18-22, Ҳаворийлар 2:22-36 га қаранг).

3:16 *У зоҳир бўлди фаришталарга* — Исо Масиҳ тирилгандан кейин самода улуғворлик билан зоҳир бўлишига ишора (1 Бутрус 3:22, Эфесликлар 1:20-21, Филиппиликлар 2:9-11, Ибронийлар 1:3-4, Ваҳий 5:11-14 га қаранг).

4:7 *бемаъни афсоналар* — 1:3-7 оятларга ва 1:4 изоҳига қаранг.

4:10 *...хизмат қиляпмиз* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *хизмат қиляпмиз ва заҳмат чекяпмиз*.

4:10 *У барча инсонларнинг, айниқса имонлиларнинг Нажоткоридир* — 2:3-6 га ва Юҳанно 1:12 га қаранг.

4:13 *овоз чиқариб ўқиш* — имонлилар бирга йиғилганда муқаддас битиклар овоз чиқариб ўқиларди, чунки қадимда кўпчилик ўқишни билмас эди.

4:14 *инъом* — Муқаддас Руҳ орқали берилган махсус қобилият (Римликлар 12:6-8, 1 Коринфликлар 12:4-11 га қаранг).

5:9 *Туллар рўйхати* — Эфесдаги имонлилар жамоатдан моддий ёрдам оладиган бева аёлларнинг рўйхатини тузган. Мана шу рўйхатдаги бевалар ўзларини ибодатга ва Худога хизмат қилишга бағишлаб, онт ичганлар (шу бобнинг 5, 10-12–оятларига қаранг).

5:9 *...марҳум эрига вафодор бўлган...* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *...бир эркакнинг хотини бўлган...*. 3:2 изоҳига қаранг.

5:10 *...Худо азизларининг оёқларини ювган...* — бу иборани икки хил маънода тушунса бўлади. Биринчи маъноси жамоат йиғилишларига келганларнинг, меҳмон устоз ва ваъзхонларнинг оёқларини ювиб, уларга иззат–ҳурмат билдирадиган бир маросим (Юҳанно 13:1-5 га қаранг). Иккинчи маъноси эса умуман жамоатдагиларга самимият билан, беғараз хизмат қилишни билдирадиган мажозий маънода ишлатилган ибора.

5:16 *...бирорта имонли аёлнинг...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бирорта имонлининг*.

5:18 Қонунлар 25:4 га қаранг.

5:18 Луқо 10:7 га қаранг.

5:21 *танланган фаришталар* — самодаги фаришталарга ишора. Уларнинг рақиблари шайтон шоҳлигининг аъзоси бўлган гуноҳкор фаришталардир.

Танланган фаришталарни бу рўйхатга киритишдан мақсад шуки, фаришталар ҳам қиёмат кунида Исонинг ҳузурида бўладилар (Матто 25:31, Ваҳий 14:10 га қаранг).

5:23 *Лекин сув ичиш билан чекланиб қолмай, озгинадан шароб ҳам ичиб тур* — Тимўтий пок бўлиш ниятида ўзини шароб ичишдан тийган бўлиши мумкин (3:3, 8 га қаранг). Бу ўринда Павлус озгина шароб ичиш соғлик учун фойдали эканини айтиб ўтади, чунки ўша даврларда ичимлик суви тоза бўлмаган ва соғликка зарар эди.

6:5 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар оятга қўшимча қилинган: *бундай одамлардан ўзингни четга ол*.

6:13 *Пўнтий Пилат* — Рим ҳукумати томонидан Яҳудия вилоятига тайинланган ҳоким. У Исони ўлимга маҳкум қилган эди (Матто 27:11-26, Юҳанно 18:31-19:16 га қаранг).

6:20 *сенга ишониб топширилган Хушхабар* — 2 Тимўтий 1:12-14, 2:2 га қаранг.

6:21 *…сизларга ёр бўлсин* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *…сенга ёр бўлсин. Омин.*

ПАВЛУСНИНГ
ТИМЎТИЙГА
ИККИНЧИ МАКТУБИ

Кириш

Павлуснинг ёш ҳамкори ва ёрдамчиси Тимўтийга ёзган иккинчи мактуби, асосан, насиҳатлардан ташкил топган. Павлус бу мактубини зиндонда* ўтирган пайтда, хизмати ниҳоясига етиб қолганини билган ҳолда ёзгани учун, унинг ҳис–туйғуларини мактубдан яққол сезиш мумкин. Ушбу мактубнинг асосий мавзуси сабр–тоқат бўлиб, Павлус Тимўтийга ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмасликка, Исо Масиҳга содиқ қолиб, Хушхабарни тарғиб қилишга, Муқаддас битиклардаги ҳақиқат бўйича яшашга, имонлилар жамоатидаги масъулиятини чин кўнгилдан адо этишга ундайди.

Павлус Тимўтийга, бемаъни, аҳмоқона баҳслардан узоқлаш, деб насиҳат қилади. Бундай баҳслар тингловчиларга фақат зарар етказишини таъкидлайди. Павлус бошидан кечирган қийинчиликларни, ҳаёт тарзи, сабр–тоқати, мурод–мақсади, имони ва севгисини намуна тариқасида келтиради. У ҳозирги ва келажакдаги синовларга бардош бериш муҳимлигига урғу беради.

1–БОБ

Дуойи салом

[1-2] Худонинг иродаси билан Исо Масиҳнинг ҳаворийси бўлган мен — Павлусдан севимли ўғлим Тимўтийга* салом! Худо абадий ҳаётни эълон қилишим учун мени юборди. У ваъда қилган бу ҳаётга Исо Масиҳга бўлган имон орқали эришилади. Ўғлим Тимўтий, сенга Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳ иноят, марҳамат ва тинчлик ато қилсин.

Исо Масиҳга содиқ қолишга даъват

[3] Тимўтий, борингга шукур! Мен, ота–боболарим каби, Худога виждонан хизмат қилиб, кечаю кундуз сен учун ибодат қиламан. [4] Сени жуда соғинганман, кўз ёш тўкканларинг ҳамон ёдимда. Қанийди, дийдорингни кўрсам–у, қалбим қувончга тўлса, дейман. [5] Сенинг самимий имонингни доим эслайман. Аввалдан бувинг Лоида ҳамда онанг Эвника ўз қалбларига жо этган ўша имон энди сенда ҳам равнақ топаётганига аминман.

[6] Шу сабабдан, ёдингда бўлсин: мен устингга қўлларимни қўйиб дуо қилганимда*, сен Худодан Муқаддас Руҳни инъом* қилиб олгансан. Ичингдаги ўша Муқаддас Руҳ инъомини алангалатиб тур. [7] Зеро, Худо берган Руҳ қалбимизга қўрқув солмайди, аксинча, бизга куч, муҳаббат ва ақли расоликни ато қилади. [8] Шундай экан, Раббимиз Исо ҳақида шоҳидлик беришдан ор қилма, мен Раббимиз туфайли занжирбанд бўлганимдан ҳам уялма. Мендан ибрат олиб, Хушхабар туфайли азоб чекишга тайёр тургин, бунинг учун Худонинг берган кучига таянгин. [9] Ахир, Худо бизга нажот берди, Хушхабар айтиш каби муқаддас хизматга бизни даъват этди. Бунга бизнинг савоб ишларимиз эмас, аксинча, Худонинг мурод–мақсадию инояти сабаб бўлди. Худо азалданоқ Исо Масиҳ орқали бизга иноят кўрсатишга қарор қилган эди. [10] Мана энди бу иноят нажоткоримиз Исо Масиҳнинг оламга келиши билан яққол намоён бўлди. Масиҳ ўлим кучини йўқ

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

қилди. У мангу ҳаётга элтувчи йўлни бизга Хушхабар орқали ёритиб берди.
11 Худо мени бу Хушхабарни турли халқларга етказувчи воиз, ҳаворий ва
муаллим қилиб тайинлади. 12 Шу сабабдан ҳам бу азобларни тортяпман. Бироқ
мен бундан ор қилмайман, чунки Кимга эътиқод қилганимни яхши биламан.
Ишончим комилки, Худо менга топширган Хушхабарни қиёмат кунигача Унинг
Ўзи тўлиғича сақлашга қодир*. 13 Сен мендан эшитган бу соғлом таълимотдан
намуна олгин, уни асрагин. Исо Масиҳга тегишли бўлган инсон сифатида имон ва
муҳаббатга тўла ҳаёт кечиргин. 14 Сенга ишониб топширилган бу эзгу
таълимотни ичимизда яшаётган Муқаддас Руҳ ёрдамида авайлаб–асрагин.
15 Асия вилоятидаги барча биродарлар, шу жумладан, Фигелус билан
Ҳермогенес мендан юз ўгирганларини биласан. 16 Онисифорус барака топсин,
Раббимиз Исо унинг хонадонига марҳамат қилсин. Онисифорус бир неча марта
келиб, менинг кўнглимни кўтарди. Занжирбандлигимдан* ор қилмай, 17 Римга
келиши биланоқ, мени астойдил қидириб, охири топди. 18 У менга Эфес шаҳрида
ҳам қанчалар хизмат қилганини ўзинг яхши биласан. Ё Раббим Исо, қиёмат
кунида Ўз марҳаматингни Онисифорусдан дариғ тутмагин!

2–БОБ

Масиҳ туфайли азобларга дош бериш ҳақида

1 Тимўтий ўғлим, бардам бўл. Бунинг учун Исо Масиҳ орқали кўрсатилган
Худонинг иноятига таянгин. 2 Сен кўп шоҳидлар ҳузурида Хушхабар ҳақида
таълим берганимни эшитгансан. Энди бу таълимотни бошқаларга ҳам ўргатишга
қобилияти бор, ишончли одамларга топширгин. 3 Исо Масиҳнинг яхши бир аскари
каби, мен билан бирга азоб чекишга тайёр тургин. 4 Ҳарбий хизматдаги аскар
тирикчилик ишлари билан банд бўлмайди, чунки қўмондонини мамнун қилишни
истайди. 5 Шунингдек, мусобақада қатнашган киши қоидага риоя қилмаса, ғалаба
тожини киймайди. 6 Меҳнат қилган деҳқон олган ҳосилидан биринчи бўлиб
баҳраманд бўлиши лозим. 7 Айтганларим ҳақида мулоҳаза қил, буларни тушуниб
олишингга Раббимиз Исо сенга ёрдам беради.
8 Довуд наслидан бўлган Исо Масиҳ ўликдан тирилганини доимо ёдингда тут!
Мен тарғиб қилаётган Хушхабар шудир! 9 Ана шу Хушхабар учун мен азобларга
дучор бўляпман, ҳатто жиноятчидай занжирбанд қилиндим*. Аммо Худонинг
каломини занжирлаб бўлмайди! 10 Шундай экан, Худонинг танлаган одамлари Исо
Масиҳ берган нажотдан баҳраманд бўлсинлар, абадий улуғворликка эришсинлар
деб, мен ҳамма нарсага чидаб келяпман. 11 Қуйидаги гап тўғри ва асослидир:

“Агар биз Масиҳ билан бирга ўлган бўлсак,
У билан бирга ҳам яшаймиз.
12 Агар қийинчиликларга чидасак,
У билан бирга ҳукмронлик қиламиз.
Борди–ю, Уни рад этсак,
У ҳам бизни рад этади.
13 Содиқ бўлмасак ҳам,
Масиҳ содиқ бўлиб қолаверади,
Ахир, У Ўз табиатига қарши чиқа олмайди.”

Ҳақиқатга содиқ қолиш ҳақида

14 Бу гапларни имонлиларга эслатиб тур, уларга Худонинг номидан қатъий
буюр: майда–чуйда гаплар юзасидан баҳслашмасинлар. Бундай баҳслар бефойда,

тингловчиларга фақат зарар етказади, холос. 15 Худонинг олдида ёруғ юз билан
тура олишинг учун астойдил меҳнат қил. Ўз ишидан уялмайдиган, ҳақиқат
каломини тўғри ўргатадиган хизматчи бўлгин. 16 Худодан узоқлаштирадиган
қуруқ гаплардан қоч. Бундай гапларга берилган одамлар тобора бетавфиқ бўлиб
боради. 17 Уларнинг бу таълимоти ўлат каби ёйилади. Мана, Хуманаёс* билан
Филитус ҳам шундай одамлар жумласидан. 18 Улар тўғри йўлдан озганлар. Биз
аллақачон ўликдан тирилдик*, деб баъзиларни имонидан қайтаряптилар. 19 Аммо
Худо асос солган пойдевор мустаҳкам турибди. Бу пойдевор устига шундай сўзлар
битилган: “Эгамиз Ўзиникиларни билади” ва “Эгамизнинг номини тилга олган
ҳар бир одам ёмонликдан узоқлашсин.”

20 Катта бир уйда нафақат олтин ва кумуш идишлар, балки ёғоч ва сопол
идишлар ҳам бор. Олтин ва кумуш идишлар хўжайинга шараф келтиради, қадрсиз
идишлар эса унинг обрўйини тўкади. 21 Ким ўзини мен айтган ёмонликлардан
покласа, Эгаси учун шараф келтирадиган идишдай бўлади. Бундай одам Эгасига
хизмат қилишга бағишланган, ҳар бир яхши иш қилишга тайёр бўлади.

22 Ўғлим, ёшлик эҳтиросларидан қоч. Чин юракдан Раббимиз Исога илтижо
қилган одамлар билан бирга солиҳлик, имон, меҳр–муҳаббат ва тинчлик пайида
бўлгин. 23 Аҳмоқона, бемаъни баҳслардан узоқлаш. Ўзинг биласан–ку, булар фақат
жанжал келтириб чиқаради. 24 Раббимиз Исонинг қули эса жанжалкаш
бўлмаслиги керак. Аксинча, у ҳаммага меҳрибон, таълим беришга қобилиятли,
сабр–тоқатли бўлиши лозим. 25 У ўз рақибларини мулойимлик билан йўлга
солсин. Ким билсин, балки Худо уларни тавбага олиб келар?! Шунда улар
ҳақиқатни билиб, 26 ўзларига келарлар, иблиснинг тузоғидан қутулиб қоларлар.
Ахир, иблис уларни асир қилиб, ўзига тобе қилиб олган.

3–БОБ

Охирги кунлар ҳақида

1 Шуни билгинки, охирги кунларда оғир вақтлар келади. 2 Ўша пайтда одамлар
фақат ўзини ўйлайдиган, пулпараст, мақтанчоқ, такаббур, сўкинадиган, ота–онага
итоат қилмайдиган, нонкўр, диёнатсиз, 3 тош юрак, гиначи, туҳматчи, нафсини
тия олмайдиган, ваҳший, яхшиликдан ҳазар қиладиган, 4 хоин, бебош,
босар–тусарини билмайдиган бўладилар. Улар Худони эмас, айш–ишратни яхши
кўрадилар. 5 Ўзларини художўй қилиб кўрсатадилар–у, аммо ҳақиқий имондан юз
ўгирадилар. Сен бундай одамлардан узоқлаш.

6 Улар атрофдагиларнинг ишончини суиистеъмол қилиб, уйларига кириб
оладилар. Турли ҳирсу ҳавасларга берилган, гуноҳларидан виждони қийналиб
юрган нодон аёлларнинг дилини овлайдилар. 7 Қачон қарама, бундай аёллар янги
таълимотлар пайида бўладилар, ҳақиқатни эса тан олмайдилар. 8 Яннис ва
Ямбрис* Мусога қандай қарши турган бўлсалар, бу одамлар ҳам ҳақиқатга худди
шундай қарши турадилар. Аммо фикри бузуқ, имони сохта бу одамлар 9 узоққа
бормайдилар. Улар Яннис билан Ямбриснинг ҳолига тушадилар, уларнинг
ақлсизлиги ҳаммага маълум бўлади.

Имонда содиқ қолишга даъват

10 Сен эса, Тимўтий, таълимотимга риоя қилдинг, турмуш тарзим,
мурод–мақсадим, имоним, сабр–тоқатим, меҳр–муҳаббатим ва саботимдан
намуна олдинг. 11 Хушхабар туфайли чеккан азоб–уқубатларимни ўзинг биласан.
Антиохия, Икония ва Листра шаҳарларида қувғин бўлганим ҳақида эшитгансан*.
Ҳа, мен қаттиқ қувғинларни бошдан кечирдим! Аммо Раббим Исо буларнинг

ҳаммасига қарамай, жонимни омон сақлади. 12 Дарҳақиқат, Исо Масиҳ йўлида
тақводор ҳаёт кечирган ҳар бир одам қувғинга учрайди. 13 Аммо фосиқ ва маккор
одамлар тобора разиллашиб бораверади. Улар бошқаларни алдайдилар, ўзлари
ҳам алданадилар.
14 Сен эса, ўзинг олган ва қаттиқ ишонган таълимотингга содиқ қол. Чунки бу
таълимотни сенга ўргатган устозларнинг ибратомуз ҳаётини ўзинг кўргансан.
15 Болалигингданоқ Муқаддас битикларни ўргангансан. Бу битиклар инсонга
донолик ато қилади, Исо Масиҳга бўлган ишонч орқали уни нажотга эриштиради.
16 Муқаддас битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим
ва танбеҳ бериш, хатоларни тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия бериш учун
фойдалидир. 17 Битиклардаги ўгитлар бўйича яшаган Худонинг қули ҳар қандай
яхши иш қилишга қобил бўлиб, тайёр туради.

4–БОБ

Тимўтийга қатъий буйруқ

1 Худо ҳузурида ҳамда тиригу ўликларни ҳукм қиладиган Исо Масиҳ ҳузурида,
Унинг келиши ва ҳукмронлиги ҳақи, сенга қатъий буюраман: 2 Худонинг
каломини тарғиб қил. “Ҳозир бунинг вақтими, вақти эмасми?” демай, уни
астойдил эълон қил. Одамларга таълим бериб, уларни тўғри йўлга сол, танбеҳ
бер, насиҳат қил. Ҳаммасини сабр–тоқат билан бажар. 3 Чунки шундай вақт
келадики, одамлар соғлом таълимотга тоқат қилмайдиган бўладилар, улар
атрофига ўзларига мос, қулоқларига ёқимли сўзлар айтадиган муаллимлар
тўплайдилар. 4 Улар ҳақиқатдан юз ўгириб, афсоналарга берилиб кетадилар.
5 Аммо сен ҳар қандай шароитда ақл билан иш тут, азобларга чида, Хушхабарни
тарғиб қил, ўз хизматингни тўлиқ бажаргин.
6 Мен ҳademай бу дунёдан ўтиб кетаман*, жоним Худога қурбон*. 7 Мен улуғ
курашда жанг қилдим, зиммамдаги вазифани охирига етказдим, Хушхабарга
содиқ қолдим. 8 Мени солиҳлик тожи кутмоқда. Одил Ҳакам — Раббимиз Исо
келган кунда ўша тожни менга Ўзи беради. Бундай тож фақат менга эмас, балки
Унинг келишини интизорлик билан кутаётганларнинг ҳаммасига насиб бўлади.

Павлуснинг Тимўтийга сўнгги кўрсатмалари

9 Менинг олдимга тезроқ келишга ҳаракат қил. 10 Чунки Димас бу дунёга
кўнгил боғлаб, мени тарк этди. У Салоника шаҳрига кетди. Крискес Галатия
вилоятига, Титус* Далматия вилоятига* кетди. Ёнимда фақат Луқо* бор.
11 Маркни* ўзинг билан бирга олиб кел, у хизматимда менга ёрдам беради. 12 Мен
Тихикусни Эфес шаҳрига юбордим. 13 Келаётганингда ўзинг билан тўнимни олиб
кел, мен уни Троас шаҳридаги Карпусникида қолдирганман. Қўлёзмаларни* ҳам,
айниқса, чармга ёзилганларини олиб кел.
14 Темирчи Искандар менга кўп ёмонлик қилди. Раббимиз Исо уни қилмишига
яраша жазолайди. 15 Сен Искандардан эҳтиёт бўл, чунки у бизнинг
таълимотимизга қаттиқ қаршилик кўрсатди.
16 Мени биринчи марта маҳкамага олиб боришганда, ҳеч ким мени ёқламади.
Ҳамма мени ташлаб кетди. Худо бу айбни уларнинг бўйнига қўймасин! 17 Аммо
Раббим Исо ёнимда турди, Хушхабарни тўлиғича барча халқларга етказишим
учун Унинг Ўзи менга куч берди. У мени ўлим чангалидан* қутқарди. 18 Раббим
мени бундан кейин ҳам ҳар қандай ёмонликдан халос қилади ва Ўзининг самовий
Шоҳлигига соғ–саломат етказади. Унга абадулабад шон–шарафлар бўлсин! Омин.

Сўнгги саломлар

19 Прискилла билан Акилга* ва Онисифоруснинг хонадонига салом айтиб қўй.
20 Эрастус Коринф шаҳрида қолди. Трофимус эса касал бўлгани учун, уни
Милейтус шаҳрида қолдирдим. 21 Қиш бошланмасдан олдин* келишга ҳаракат
қил. Эбулус, Пудес, Линус, Клавдия ва бу ердаги ҳамма имонлилар сенга салом
йўллаяптилар.
22 Раббимиз Исо сенга ҳамроҳ бўлсин. Унинг иноятиҳаммангизга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

зиндонда — Рим шаҳрида. 1:16-17 оятларга ва 1:16 изоҳига қаранг.

1:1-2 *севимли ўғлим Тимўтий* — 1 Тимўтий 1:2 изоҳига қаранг.

1:6 *...мен устингга қўлларимни қўйиб дуо қилганимда...* — бу ҳаракат жамоат оқсоқоллари билан бирга амалга оширилган бўлиши мумкин (1 Тимўтий 4:14 га қаранг).

1:6 *инъом* — 1 Тимўтий 4:14 изоҳига қаранг.

1:12 *...Худо менга топширган Хушхабарни...сақлашга қодир* — Павлуснинг умри охирлаб қолган эди (4:6-8 га қаранг). Энди у ўзининг таълим бериш ва воизлик хизматини Тимўтийга топшираётган эди. Шу жараёнда Павлус Тимўтийга далда беради. Тимўтий Хушхабар ҳақиқатини бузмай, ваъз қилиши учун Худонинг Ўзи унга ёрдам беради. Шу бобнинг 13-14–оятларига, 2:1-2, 8 га ва 1 Тимўтий 6:20-21 га қаранг.

1:16 *Занжирбандлигим* — мана шу пайтда Павлус Римда қамоқда бўлган. Бу вазият Ҳаворийлар 28:16, 30 да айтиб ўтилган қамалишдан қийинроқ кечганга ўхшайди. Павлус умри охирлаб қолганини сезган эди (шу бобнинг 17–оятига ва 2:9, 4:6-17 га қаранг). Кўп олимларнинг тахмини бўйича, Павлус биринчи марта Римда қамалиб, кейин озод қилинган. Бирмунча вақт сафарда бўлгандан кейин эса яна Римда қамоққа тушган. Анъанага кўра, император Нерон ҳукмронлиги даврида Павлус Римда қатл қилинган.

2:9 *жиноятчидай занжирбанд қилиндим* — 1:16 изоҳига қаранг.

2:17 *Хуманаёс* — 1 Тимўтий 1:19-20 га қаранг.

2:18 *Биз аллақачон ўликдан тирилдик...* — инсон Исо Масиҳга имон келтирганда руҳан қайта тирилади (Римликлар 6:1-11, Эфесликлар 2:6, Колосаликлар 2:13, 3:1-4 га қаранг). Баъзилар ўликдан тирилиш фақатгина руҳий тирилишдан иборат, деб таълим бераётган экан. Юнонлар танани ёвузлик манбаи деб билганлар, шунинг учун мана шу одамлар, бир кун келиб жисмоний тана ҳам тирилади, деган таълимотни рад этган бўлишлари мумкин (Ҳаворийлар 17:32 га қаранг). Бу таълимот Хушхабардаги нажот ҳақидаги таълимотга тамомила зиддир (1 Коринфликлар 15:12-25 га қаранг).

3:8 *Яннис ва Ямбрис* — яҳудийлар Мусога қарши турган фиръавн сеҳргарларини шу исмлар билан аташар эди (Чиқиш 7:10-12, 20-22, 8:16-19, 9:10-11 га қаранг).

3:11 *Антиохия, Икония ва Листра шаҳарларида қувғин бўлганим ҳақида эшитгансан* — мисол учун, Ҳаворийлар 14:1-7, 19-20 га қаранг. Тимўтий Листрадан эди.

4:6 *Мен ҳадемай бу дунёдан ўтиб кетаман...* — 1:16 изоҳига қаранг.

4:6 *...жоним Худога қурбон* — юнонча матнда *...шароб назридай тўкилмоқдаман*. Филиппиликлар 2:17 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг

4:10 *Титус* — Павлуснинг ҳамкори ва ёрдамчиси (2 Коринфликлар 8:23, Титус 1:4-5 га қаранг).

4:10 *Далматия вилояти* — Римдан шимоли–шарқда, ҳозирги Адриатика денгизининг шарқий қирғоғида жойлашган.

4:10 *Луқо* — Колосаликлар 4:14 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

4:11 *Марк* — Колосаликлар 4:10 га ва ўша оятнинг охирги изоҳига қаранг.

4:13 *Қўлёзма* — папирус ёки ошланган теридан қилинган узун ўрама қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар одатда ўрама қоғоз шаклида бўлган.

4:17 *...ўлим чангалидан...* — юнонча матнда *...арслон оғзидан...*, мажозий усулда ўлимга ишора. Ўша даврда ўлим жазосига маҳкум қилинган жиноятчиларни тириклайин йиртқич ҳайвонларнинг олдига ташлашарди. Лекин Павлус Рим фуқароси бўлгани учун, уни бу йўл билан қатл қилиб бўлмас эди.

4:19 *Прискилла билан Акил* — Ҳаворийлар 18:2-3, 18-21, 24-26 га қаранг.

4:21 *Қиш бошланмасдан олдин...* — Эфесдан Римга денгиз орқали бориларди. Одатда ноябрь ойининг ўрталаридан бошлаб то март ойининг ўрталаригача денгиз орқали сафар қилишнинг иложи йўқ эди. Тимўтий бу пайтда Эфесда бўлгани учун Павлус унга, қишдан олдин йўлга тушгин, деб айтган.

4:22 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
ТИТУСГА
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус бу мактубини Крит оролидаги ёш, садоқатли ҳамкори Титусга ёзган. Титус, Тимўтий сингари, Павлуснинг энг яқин ҳамкорларидан бири эди. Галатияликларга ёзган мактубида Павлус Титуснинг юнон эканлигини айтиб ўтади*.

Титус Павлус билан биргаликда Крит оролида Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни эълон қилиб, дастлабки имонлилар жамоатларига асос солган эди. Павлус Критдан кетишидан олдин, жамоатларда тартиб–қоида ўрнатиш вазифасини Титуснинг зиммасига юклаган эди.

Мактубнинг бошида муаллиф жамоат етакчилари ҳақида сўз юритади. Улар Критдаги бадфеъл одамлардан ажралиб туриши, ибратли ва бир қатор хислатларга эга бўлишлари кераклиги ҳақида ёзади. Павлус Титусни сохта устозлардан узоқроқ юриш ҳақида огоҳлантиради. Мактубнинг давомида эса, жамоатдаги ёшу қариларга, қулларга қай тарзда таълим бериш кераклиги ҳақида насиҳат қилади. Сўнг масиҳийларнинг феъл–атвори қандай бўлиши кераклигига эътиборини қаратиб, жамоатдагиларга мулойим ва меҳрибон бўлинглар, хайрли ишларга бел боғланглар, деб ёзади.

Павлус бу мактубида Худонинг иноятига урғу беради. Худо Ўз инояти туфайли бизга Исо Масиҳ орқали янги ҳаёт ато қилганини, устимизга Ўз Руҳидан мўл қилиб ёғдирганини эслатиб, энди абадий ҳаётга умид боғлаб яшашимиз кераклигини таъкидлайди.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Худонинг қули ва Исо Масиҳнинг ҳаворийси бўлган мен — Павлусдан салом!
Худонинг танланган одамлари имонда собит бўлсинлар ва художўйликка
чорловчи ҳақиқатни билиб олсинлар деб, Худо мени бу хизматга тайинлади.
2 Ҳаворий сифатида мен уларни абадий ҳаётдан умидвор бўлишга даъват этаман.
Зеро, Худо абадий ҳаётни азалданоқ ваъда қилган. У ҳеч қачон ёлғон ваъдалар
бермайди. 3 Белгиланган пайтда Худо абадий ҳаётга чорловчи Хушхабарни
бизнинг воизлигимиз орқали аён этди. Нажоткоримиз Худо бу Хушхабарни менга
топшириб, уни эълон қилишимни буюрди. 4 Қадрдоним Титус*, бизнинг
эътиқодимиз бир, сен менга ўз ўғлимдай бўлиб қолгансан. Отамиз Худо ва
нажоткоримиз Исо Масиҳ сенга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Титуснинг Крит оролидаги вазифалари

5 Қолган ишларни битиришинг учун мен сени Крит оролида қолдирган эдим.
Сенга буюрганимдек, оролнинг ҳар бир шаҳридаги имонлилар жамоати устидан
оқсоқоллар тайинлагин. 6 Жамоат оқсоқоли яхши ном чиқарган бўлиши шарт. У
ўз хотинига вафодор* бўлсин. Унинг фарзандлари имонли бўлиб, шалоқлик ва
итоатсизлик айбидан холи бўлишсин. 7 Зеро, жамоат етакчиси Худонинг
хонадонини бошқарувчи сифатида камчиликсиз бўлиши лозим, яъни у такаббур,

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

жаҳлдор, майхўр, зўравон ёки пулпараст эмас, 8 балки меҳмондўст, яхшиликни
севадиган, вазмин, одил, оқ кўнгил ва нафсини тийган одам бўлсин. 9 Ҳақиқатга
ўргатилган, Хушхабар ақидаларига қатъий риоя қиладиган инсон бўлсин. Шунда
у бошқаларга ҳам соғлом таълимот билан насиҳат қила олади, қаршилик
қилувчиларни эса фош эта олади.
10 Ахир, ҳеч кимга итоат қилмайдиган, қуруқ гап сотадиган ёлғончи
биродарлар бор, айниқса суннатлилар* орасида бундайлар кўп. 11 Уларнинг
сафсаталарини тўхтатиш керак. Зеро, улар пул ишлаш ниятида сохта
таълимотлар ўргатиб, бутун оилаларни тўғри йўлдан оздирмоқдалар. 12 Мана,
улардан чиққан бир мутафаккир ўз юртдошлари ҳақида шундай деган:

> “Критликлар доимо ёлғон гапиришади,
> Улар ебтўймас дангасалардир,
> Гўёки йиртқич ҳайвонлардир.”

13 Бу гапда жон бор. Шунинг учун бебошларга қаттиқ танбеҳ бер, токи улар ҳақ
имонга қайтсинлар. 14 Яҳудийларнинг афсоналарига ва ҳақиқатдан юз ўгирган
одамларнинг кўрсатмаларига қулоқ солмасинлар. 15 Қалби пок одамлар учун
ҳамма нарса ҳалолдир. Бузуқ ва имонсизларнинг назарида эса ҳамма нарса
ҳаромдир. Бундайларнинг ақли ҳам, виждони ҳам булғанган. 16 Улар, Худони
биламиз, дейдилар–у, ўз қилмишлари билан Уни инкор этадилар. Бундай қабиҳ,
ўзбошимча одамлар ҳеч бир хайрли ишга ярамайдилар.

2–БОБ

Жамоатдаги ёшу қариларга ва қулларга насиҳатлар

1 Титус, сен соғлом таълимот асосида насиҳат қил. 2 Ёши катта эркакларга айт:
улар майхўрликка берилмаган, ҳурматга сазовор, вазмин, имонда мустаҳкам,
меҳрибон ва сабр–тоқатли бўлсинлар.
3 Ёши катта аёлларга ҳам тайинла, улар шарафли ҳаёт кечирсинлар. Ғийбат
қилмасинлар, майхўрликка ружу қўймасинлар. Ҳар қандай хайрли ишда ибрат
кўрсатиб, 4 келинларга панд–насиҳат қилсинлар, уларга ўз эрлари ва
фарзандларини севишни, 5 вазмин, иффатли, рўзғорга жонкуяр, меҳрибон,
эрларига бўйсунадиган бўлишни ўргатсинлар. Шунда ҳеч ким Худонинг
каломини ёмонламайди.
6 Йигитларни ҳам босиқ бўлишга ундагин. 7 Ҳар бир ишда юриш–туришинг
билан ўзинг уларга ўрнак бўлгин. Таълим берганингда самимий ва жиддий бўл.
8 Тўғри таълим бергин, шунда танқиднинг олдини олган бўласан ва
рақибларимиз биз ҳақимизда ёмон сўз айтолмай, уятга қоладилар.
9 Қулларга ўргат, улар доим ўз хўжайинларига итоат этиб, уларни мамнун
қилсинлар. Гап қайтармасинлар, 10 ўғрилик қилмасинлар, ҳар қандай вазиятда
тўғри йўл тутиб, ишончга сазовор бўлсинлар. Шунда қуллар хулқ–атвори билан
нажоткоримиз Худо ҳақидаги таълимотнинг тенги йўқ гўзаллигини намоён
этадилар.
11 Зеро, Худо бутун инсониятга нажот йўлини очиб бериб, Ўз иноятини
кўрсатди. 12-13 Бу иноят орқали Худо бизга шуни ўргатадики, биз худосиз ҳаётдан
ва дунёвий орзу–эҳтиroслардан воз кечишимиз керак. Ахир, бизнинг ажойиб
умидимиз бор: биз нажоткоримиз Исо Масиҳнинг келишига ва буюк Худонинг
улуғворлигини кўришга умид боғлаганмиз. Масиҳнинг келишини кутар эканмиз,
бу ўткинчи ҳаётимизда нафсни тийишимиз, тўғри ва тақводор ҳаёт кечиришимиз

лозим. 14 Ахир, Исо Масиҳ бизни барча иллатларимиздан халос қилиш учун Ўз
жонини фидо қилди. У бизни поклаб, Ўзига тегишли бўлган, яхшилик қилишга
бағишланган азиз бир халқ қилди.
15 Айтганларимнинг ҳаммасини сен жамоатдагиларга ўргат. Худо берган
ҳокимият билан уларга насиҳат қил, танбеҳ бер. Сени биронтаси камситишига
йўл қўйма.

3–БОБ

Хайрли ишларга бел боғланг

1 Сен жамоатдагиларга эслатиб тур: улар давлат бошлиқларию ҳокимларга
бўйсунсинлар, итоат этиб, ҳар қандай хайрли ишга тайёр бўлсинлар. 2 Ҳеч кимни
ёмонламасинлар, жанжаллашмасинлар, бошқаларга нисбатан доим мулойим ва
меҳрибон бўлсинлар.
3 Бир вақтлар бизлар ҳам фаҳмсиз, итоатсиз, адашган одамлар эдик, ҳар хил
завқу эҳтиросларнинг қули бўлиб, гина–кудурат ва ҳасадгўйлик билан кун
кечирардик, бир–биримиздан нафратланадиган разил одамлар эдик. 4 Аммо
нажоткоримиз Худо бизга бўлган эзгулиги ва меҳр–муҳаббатини кўрсатди.
5 Савоб ишларимиз туфайли эмас, балки Ўзининг раҳм–шафқати туфайли У бизни
қутқарди. Муқаддас Руҳ орқали гуноҳларимизни ювди, бизни янгидан туғдириб,
янги ҳаёт ато этди. 6 Нажоткоримиз Исо Масиҳ орқали Худо бизнинг устимизга
Муқаддас Руҳини мўл–кўл қилиб ёғдирди. 7 Биз Исонинг инояти билан оқландик,
энди абадий ҳаётга умид боғлаб, Худо ваъда қилган баракалардан баҳраманд бўла
оламиз. 8 Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри ва асослидир.
Ушбу таълимотнинг фойдаси катта. Жамоатдагиларга яхшилаб уқтир, улар
ўргатганларимнинг ҳаммасига риоя қилсинлар. Худога ишонганлар хайрли
ишларга астойдил бел боғласинлар.
9 Сен эса аҳмоқона баҳслардан, шажаралар* ҳамда Таврот қонунлари
борасидаги мунозараю жанжаллардан ўзингни олиб қоч*. Булар фойдасиз ва
беҳудадир. 10 Орангизга низо уруғини сепаётган одамни бир–икки марта
огоҳлантир, агар гапингга кирмаса, у билан алоқани уз. 11 Ўзинг биласан–ку,
бундай одамнинг фикри бузуқ. Унинг қилаётган гуноҳлари ўзини маҳкум этади.

Сўнгги кўрсатмалар ва саломлар

12 Артемас ёки Тихикусни сенинг ёнингга юборганимдан кейин, Никополис
шаҳрига*, менинг олдимга тезроқ келишга ҳаракат қил. Чунки мен қишни шу
ерда ўтказишга қарор қилдим. 13 Қўлингиздан келганча қонуншунос Зинас ва
Аполлосга* ёрдам қилинглар, сафарга чиқишлари учун керакли ҳамма нарсани
уларга бекаму кўст қилиб етказиб беринглар. 14 Токи жамоатдагилар ҳам хайрли
ишларга астойдил бел боғлашга одатлансинлар, бошқаларнинг зарурий
эҳтиёжларини қондирсинлар, шунда ҳаётлари самарасиз бўлмайди.
15 Ёнимдагиларнинг ҳаммаси сенга салом йўллаяптилар. Бизни яхши
кўрадиган имондаги биродарларимизга салом айтгин.
Худонинг инояти ҳаммангизга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

...Павлус Титуснинг юнон эканлигини айтиб ўтади — Галатияликлар 2:3 га қаранг.

1:4 *Титус* — Павлуснинг ҳамкори ва ёрдамчиси (2 Коринфликлар 8:23, Галатияликлар 2:1 га қаранг).

1:6 *...ўз хотинига вафодор...* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *...бир аёлнинг эри....* 1 Тимўтий 3:2 изоҳига қаранг.

1:10 *суннатлилар* — Павлус бу ўринда Худога манзур бўлиш учун суннат қилиниш керак, деб ўйлаган одамларга ишора қилади. Павлуснинг ўзи суннатга қарши бўлмаган, аммо нажот топиш учун суннат қилиниш керак, деган таълимотга қатъиян қарши эди (Ҳаворийлар 15:1-2 га қаранг).

3:9 *шажаралар* — 1 Тимўтий 1:4 изоҳига қаранг.

3:9 *...аҳмоқона баҳслардан...ўзингни олиб қоч* — 1 Тимўтий 1:3-7, 4:7 га қаранг.

3:12 *Никополис шаҳри* — Рим империясига қарашли Ахая вилоятининг ғарбида, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган.

3:13 *Аполлос* — Ҳаворийлар 18:24-19:1, 1 Коринфликлар 3:1-9 га қаранг.

3:15 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ПАВЛУСНИНГ
ФИЛИМЎНГА
МАКТУБИ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ҳаворий Павлусдир. Павлус ушбу мактубини Филимўн исмли масиҳийга йўллайди. Эҳтимол, Филимўн Колоса шаҳридаги жамоатнинг аъзоси бўлгандир. Филимўннинг Ўнисимус деган қули бор эди. Бу қул хўжайинидан қочиб кетиб, тақдир тақозоси билан Павлусни учратиб қолади. Павлус ўша вақтда қамоқда* бўлади. Ўнисимус Павлус орқали имонга келади.

Павлус бу мактубни Филимўнга қули Ўнисимус билан ярашишни илтимос қилиб ёзади. Сўнг Ўнисимусга мактубни бериб, уни Филимўннинг олдига қайтариб юборади. Павлус Филимўндан Ўнисимусни нафақат қул, балки масиҳий биродар сифатида қабул қилишини сўрайди.

Филимўнга мактуб жуда қисқа бўлгани учун бобларга бўлинмаган.

1–БОБ

Дуойи салом

1 Исо Масиҳга қилган хизматим туфайли қамоқда бўлган* мен — Павлусдан
ҳамда биродаримиз Тимўтийдан* севикли ҳамкоримиз Филимўнга салом!
2 Синглимиз* Аффия билан сафдошимиз Архиппусга, шунингдек, хонадонингда
йиғилиб турадиган имонлилар жамоатига ҳам салом йўллаймиз. 3 Отамиз Худо ва
Раббимиз Исо Масиҳ сизларга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Худога шукрона

4 Эй Филимўн, мен ибодат қилганимда сени эслаб, ҳар доим Худойимга шукур
айтаман. 5 Чунки сенинг Раббимиз Исога бўлган имонинг ва барча азиз
биродарларга бўлган муҳаббатинг ҳақида эшитиб турибман. 6 Ибодатим шуки,
биргаликда баҳам кўраётган имонимиз сенинг ҳаётингда самара берсин. Исо
Масиҳ учун қилишимиз керак бўлган яхшиликларни чуқурроқ тушунишингга
олиб келсин. 7 Биродарим, сен туфайли биродарларнинг кўнгли тинч. Сенинг
меҳр–муҳаббатинг менга катта севинч ва тасалли берди.

Павлус қул Ўнисимус учун илтимос қилади

8 Филимўн, сен ҳам, мен ҳам Масиҳга ишонамиз. Шунинг учун мен сенга, ўз
бурчингни бажаргин, деб буюришга ҳаддим сиғади. 9 Аммо сен мени яхши
кўрганинг учун илтимос қилишни афзал кўрдим. Исо Масиҳ туфайли қамоқда
бўлган, ёши ўтиб қолган мен, Павлус, 10 маҳбуслигимда имон орқали менга ўғил
бўлиб қолган Ўнисимус* учун сендан илтимос қиляпман. 11-12 Ўнисимус бир
вақтлар сенга фойдасиз эди. Энди эса у сенга ҳам, менга ҳам фойдалидир*.
Кўзимнинг оқу қорасидай бўлиб қолган Ўнисимусни сенинг олдингга қайтариб
юбордим.

13 Мен Хушхабарни тарғиб қилганим учун қамоқда ётибман. Ўнисимуснинг

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

ёнимда қолишини, сенинг ўрнингга менга хизмат қилишини хоҳлар эдим. 14 Аммо
сенинг розилигингсиз ҳеч бир иш қилишни хоҳламадим, чунки сенинг
илтифотингни мажбурий эмас, балки ихтиёрий бўлишини истадим. 15 Балки, сен
Ўнисимусни абадий қайтариб олишинг учун у сендан вақтинчалик ажралгандир*.
16 Энди у сенга фақатгина қул эмас, балки қулдан юқори, севикли биродарингдир.
Мен уни жуда қадрлайман. Ишончим комилки, у сенга қул сифатида ҳам,
Раббимиз Исо орқали биродаринг сифатида ҳам янада қадрлироқдир.
17 Агар сен мени Раббимиз хизматидаги сафдошинг деб билсанг, Ўнисимусни
мени қабул қилгандай қабул қилгин. 18 Мабодо, у сенга зарар келтирган бўлса ёки
сендан қарздор бўлса, буни менинг зиммамга юкла. 19 Мен, Павлус, қуйидагини ўз
қўлим билан ёзяпман*: мен қарзингни тўлайман. Сен ўз ҳаётинг учун* мендан
қарздор эканлигингни айтишимнинг эса ҳожати йўқ. 20 Ҳа, биродарим, Раббимиз
Исо туфайли мендан бу илтифотингни аяма! Масиҳ ҳақи–ҳурмати жонимга оро
киргин! 21 Сен менинг сўзларимга қулоқ солиб, айтганларимни қиласан, ҳа,
бундан ҳам кўпроғини бажарасан, деб ишонганим учун буларни ёздим.
22 Бундан ташқари, менга бирор турар жой ҳам тайёрлаб қўйгин. Чунки Худо
ибодатларингизни эшитиб, мени яна сизларнинг олдингизга қайтаришига
ишонаман.

Сўнгги саломлар

23-24 Мен билан бирга Исо Масиҳ номи учун маҳбус бўлган Эпафрас,
ҳамкорларим Марк*, Аристархус, Димас, Луқо* сенга салом йўллаяптилар.
25 Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти сизларга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

қамоқда — 1–оятнинг биринчи изоҳига қаранг.
1:1 *қамоқда бўлган* — бу пайтда Павлус Римда маҳбус бўлгани эҳтимолдан ҳоли эмас (Ҳаворийлар 28:16, 30 га қаранг).
1:1 *Тимўтий* — илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг ҳамкори (Ҳаворийлар 16:1-3, Филиппиликлар 2:20-22 га қаранг).
1:2 *Синглимиз* — уларнинг туғишган синглиси эмас, балки имонли аёлларга шундай мурожаат қилинган.
1:10 *Ўнисимус* — Павлус Римда маҳбус бўлганда Ўнисимус у орқали имонга келган ва шу сабабдан Павлусга жуда яқин бўлиб қолган эди. Колосаликлар 4:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.
1:11-12 *фойдасиз…фойдали* — Ўнисимус исмининг маъноси *фойдали* бўлиб, бу оятларда сўз ўйини ишлатилган.
1:15 *Балки, сен Ўнисимусни абадий қайтариб олишинг учун у сендан вақтинчалик ажралгандир* — Ўнисимус Филимўннинг уйидан қочиб кетганда ҳали масиҳий эмас эди. У Римда имонга келиб, Филимўннинг олдига масиҳий биродар сифатида қайтиб кетаётган эди. Энди улар имонли биродарлар бўлиб, Масиҳда абадий ҳаётга эга эдилар ва уларнинг ўзаро муносабати бутунлай ўзгарган эди.
1:19 *…ўз қўлим билан ёзяпман* — 1 Коринфликлар 16:21 изоҳига қаранг.
1:19 *…ўз ҳаётинг учун…* — Филимўн Павлус орқали Исо Масиҳга имон келтирган бўлиши мумкин.
1:23-24 *Марк* — Колосаликлар 4:10 нинг охирги изоҳига қаранг.
1:23-24 *Луқо* — Колосаликлар 4:14 изоҳига қаранг.
1:25 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ИБРОНИЙЛАРГА

МАКТУБ

Кириш

Мазкур мактуб муаллифи ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумот қолдирмаган. Аммо мактубнинг мазмунидан муаллиф — Таврот қонунларини мукаммал биладиган, масиҳийларнинг орасида обрў–эътибор қозонган яҳудий эканини кўришимиз мумкин. Мазкур мактуб хат услубида эмас, кўпроқ нутқ услубида ёзилган бўлиб, кўнгилни кўтарувчи далда сўзларга, танбеҳ ва насиҳатларга бойдир.

Муаллиф ушбу мактубини Исо Масиҳга имон келтирган яҳудийларга йўллаган. Масиҳга имон келтирган яҳудийлар ўша даврда кўп қаршиликларга дуч келиб, яҳудий динига қайтмоқчи бўлганлар. Муаллиф эса уларга далда бериб, Исо Масиҳга бўлган имонни маҳкам тутишга ва охиригача Унга содиқ қолишга ундайди.

Мактубда Исо Масиҳнинг улуғворлигига алоҳида урғу берилади. У фаришталардан ҳам, қадимги пайғамбарлардан ҳам, эски аҳд қонунларини жорий қилган Мусодан ҳам, руҳонийлардан ҳам улуғ ва ҳар жиҳатдан юксак эканлиги кўрсатилади. Исо Масиҳ Худо томонидан танланган абадий Олий руҳонийдир. Шу сабабдан муаллиф китобхонларнинг бутун эътиборини Олий руҳоний Исо Масиҳга қаратади. Зеро, У инсонларни гуноҳдан халос этиш учун хочда ўлди, сўнг тирилиб, осмонга кўтарилди. У инсонлар учун Худонинг ҳузурига йўл очиб берди, янги аҳднинг воситачиси бўлди. Модомики, эски аҳд даврида айтилган барча башоратлар ва Худонинг ваъдалари бу янги аҳдда амалга ошган экан, Исо Масиҳ бизни чексиз қут–баракалардан баҳраманд қилди.

Масиҳнинг эзгулигини татиб кўрган бўлса ҳам, имондан қайтган ва шу орқали Масиҳни оёқ ости қилган одамларни муаллиф қатъий огоҳлантиради. Сабоқ тариқасида у ўтмишдаги итоатсиз одамларнинг қисматини мисол қилиб келтиради, улар Худодан қандай жазо олганини китобхонга эслатиб ўтади. Бундан ташқари, ўтмишдаги имон қаҳрамонларининг ҳаётини намуна тариқасида келтиради. Уларни Худога бўлган садоқати учун олқишлайди. Шу орқали муаллиф имонлиларни Масиҳга содиқ қолишга ва барча синовларга бардош беришга ундайди. Мактуб давомида кундалик ҳаётга оид амалий кўрсатмалар ҳам берилади.

1–БОБ

Худо Ўз Ўғли орқали охирги сўзини аён қилди

1 Худо қадимда ота–боболаримизга* кўп марта ва турли тарзда пайғамбарлар
орқали гапирган эди. 2 Бу охирги кунларда* эса У бизга Ўз Ўғли орқали гапирди.
Худо коинотни Ўғли орқали яратган ва Уни бутун борлиқнинг вориси қилиб
тайин этган. 3 Ўғил — Худо шуҳратининг порлаши, Худо борлиғининг аниқ
суратидир. У Ўзининг қудратли каломи билан коинотни асраб турибди. У Ўз
жонини фидо қилиб, бизни гуноҳлардан поклади, сўнг самода Улуғвор Худонинг
ўнг томонида ўтирди*.

Худонинг Ўғли — фаришталардан олий

4 Дарҳақиқат, Худо Масиҳга “Ўғил” деб улуғ ном берди. Бу ном Масиҳ
фаришталардан ниҳоятда юксак мартабага эга эканлигини кўрсатиб турибди.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

5 Ахир, Худо биронта фариштага:

“Сен Менинг Ўғлимсан,
Бугун Мен Сенга Ота бўлдим”*,

— деб айтмаган! Ёки:

“Мен Унга Ота бўламан,
У эса Менга Ўғил бўлади”*,

— демаган! 6 Тўнғич Ўғлини* бу дунёга* яна юборишидан олдин эса Худо шундай деб айтади*:

“Ҳамма фаришталарим Унга сажда қилсинлар.”

7 Фаришталар ҳақида эса Худо:

“Мен Ўз малакларимни шамолларга айлантираман,
Хизматкорларимни ловуллаган олов қиламан”*,

— деганди. 8 Аммо Ўз Ўғлига У шундай деган:

“Сен Худосан, Сенинг тахтинг абадийдир,
Адолат ҳассаси шоҳлигинг ҳассасидир.
9 Сен солиҳликни севасан, қабиҳликдан нафратланасан.
Шу боис Мен Сени дўстларингдан устун қилдим,
Ҳа, Мен, Худойинг, шодлик мойини Сенга суртдим.”*

10 Ўғлига яна шундай деган:

“Сен Раббийсан,
Азалда заминнинг пойдеворини Сен қўйгансан,
Самоларни Ўз қўлларинг ила яратгансан.
11 Улар йўқ бўлиб кетар, Сен тураверасан,
Еру осмон кийим каби эскириб кетади.
12 Кераксиз либосдай уларни тахлаб қўясан,
Тўзиб кетган кийимдай уларни алмаштирасан.
Сен эса ҳеч ўзгармассан,
Сен то абад яшайсан.”*

13 Худо биронта фариштага:

“Душманларингни оёқларинг остига пойандоз қилмагунимча,
Сен Менинг ўнг томонимда ўтиргин”*,

— деб айтмаган. 14 Ахир, фаришталар бор–йўғи хизматчи руҳлардир! Худо уларни абадий ҳаётдан баҳраманд бўладиган одамларга хизмат қилиш учун юборган.

2–БОБ

Буюк нажотга эътиборсиз бўлмайлик

1 Шу сабабдан биз бутун эътиборимизни эшитганларимизга қаратишимиз керак. Шунда ҳақиқатдан оғиб кетмаймиз. 2 Фаришталар орқали

ота–боболаримизга* берилган Худонинг қонуни* мажбурий эди. Агар ўша қонунни бузган ва унга итоат этмаган одамлар ҳар бир қилмишига яраша жазоланган бўлса, 3 наҳотки биз буюк нажот хабарига эътиборсиз қолсак, жазодан қочиб қутула оламиз?! Ахир, дастлаб бу нажот хабарини бизга Раббимиз Исонинг Ўзи эълон қилди–ку. Раббимизга қулоқ солган шоҳидлар бу хабарнинг ҳақиқийлигини бизга тасдиқлашди. 4 Худо ҳам бу хабарни тасдиқлади: У аломату мўъжизалар ва турли ажойиботлар кўрсатди, Ўз хоҳиш–иродаси бўйича, Муқаддас Руҳнинг инъомларини улашиб берди.

Бизга нажот бериш учун Исо инсон бўлиб келди

5 Биз айтаётган келажак дунёни Худо фаришталарга тобе қилмади. 6 Аксинча, Муқаддас битикларда Худога шундай деб айтилган:

> “Инсон зоти недирки, у ҳақда ўйлагайсан?!
> Инсон ўғли* недирки, Сен уни ардоқлагайсан?!
> 7 Сен уни қисқа вақтгагина фаришталардан паст қилдинг,
> Кейин эса иззату шараф тожини унга кийгиздинг*.
> 8 Бор нарсани унинг оёғи остига қўйдинг.”*

“Бор нарсани унинг оёғи остига қўйдинг” дегани — Худо бутун борлиқни ўша Инсоннинг ҳокимиятига тобе қилганини билдиради. Ҳозирги кунда эса бутун борлиқ Унга тобе бўлганини биз кўраётганимиз йўқ. 9 Аммо “қисқа вақтгагина фаришталардан паст бўлган” Инсонни, яъни Исони биз кўриб турибмиз. У инсон бўлиб келди, Худонинг иноятиўфайли бутун инсоният учун азоб чекиб, ўлди. Шу сабабдан энди “иззату шараф тожини кийди.”

10 Худо ҳамма нарсани яратган ва ҳамма нарса Унинг улуғворлиги учун мавжуддир. У кўп инсонларни Ўз улуғворлигидан баҳраманд қилиш учун нажотга эриштирмоқчи бўлди. Исо одамларни нажотга бошлаб борсин деб, Худо Уни азоб–уқубатлар орқали баркамол Сардор қилиб тайёрлади. 11 Инсонларни гуноҳлардан покловчи Исо ва покланган инсонларнинг ҳаммаси бир оилага мансубдир. Шу сабабдан Исо уларни биродарларим деб аташдан ор қилмай, Худога шундай дейди:

> 12 “Биродарларимга Сен ҳақингда айтаман,
> Жамоа орасида Сенга ҳамду сано ўқийман.”*

13 Исо яна шундай дейди:

> “Умидим Худодадир”,

сўнг яна айтади:

> “Худо берган фарзандларим билан бирга Мен шу ердаман!”*

14 Бу фарзандлар фоний бандалар бўлганлари учун, Исо ҳам, улар сингари, инсон бўлди. Зеро, У Ўз ўлими орқалигина ўлим келтирувчи иблиснинг қудратини йўқ қила олди ва 15 умр бўйи ўлим қўрқувига қул бўлган одамзодни озод қилишга муваффақ бўлди. 16 Исо фаришталарни эмас, балки Иброҳимнинг наслини* қулликдан қутқаргани аниқ. 17 Шу сабабдан, У ҳар жиҳатдан биродарларига ўхшаган бўлиши шарт эди. Шундагина У халқни гуноҳларидан поклай оладиган, Худонинг хизматидаги раҳмдил ва содиқ Олий руҳоний бўла оларди. 18 Исонинг Ўзи синовдан ўтиб, азоб чекди. Шунинг учун У синовдан

ўтаётганларга ёрдам бера олади.

3–БОБ

Исо Масиҳ — Мусо пайғамбардан юқори

1 Эй биродарларим, сизлар Худонинг азиз халқисизлар. Худо сизларни Ўз
ҳузурига киришга даъват этган. Келинглар, Худонинг Элчиси ва биз эътироф
этган эътиқодимизнинг Олий руҳонийси Исо ҳақида мулоҳаза қилайлик. 2 Худо
Исони Олий руҳоний қилиб тайинлади. Мусо Худонинг хонадонида содиқ
хизматкор бўлгани каби, Исо ҳам Худога содиқ бўлди. 3 Бироқ Исо Мусодан кўра,
кўпроқ улуғворликка лойиқ бўлди. Ахир, уйнинг ўзи эмас, уни қурган одам
кўпроқ эътиборга сазовор–ку! 4 Албатта, ҳар бир уйнинг қурувчиси бор, аммо
аслида бутун борлиқнинг бинокори — Худо. 5 Мусо содиқ қул эди*. У Худонинг
бутун халқи орасида энг ишончлиси бўлиб, унинг хизмати келажакда ошкор
бўладиган илоҳий ҳақиқатнинг шарпаси эди, холос. 6 Масиҳ эса содиқ Ўғил эди.
Унга Худонинг хонадонини бошқариш топширилди. Худонинг хонадони эса
бизмиз. Биз фақат жасур бўлиб, умидимизни маҳкам тутишимиз керак*. Ахир, биз
бу умидимиз билан фахрланамиз.

Имондан қайтманглар!

7 Шундай экан, Муқаддас Руҳнинг айтган ушбу гапларини ёдингизда тутинг:

> “Қанийди, бугун Менинг овозимга қулоқ солсангиз!
> 8 Менга қарши исён қилган оталарингиздай тош юрак бўлманглар,
> Мени саҳрода синаган ўша аждодларингиздай* бўлманглар.
> 9 Оталарингиз қирқ йил қилган ишларимни кўрса ҳам,
> У ерда Мени синаб кўрдилар.
> 10 Шу боис Мен бу наслдан ғазабланиб, дедим:
> «Улар доим Мендан юз ўгиришади,
> Амрларимга бўйсунишдан бош тортишади.»
> 11 Шунинг учун ғазабланиб, онт ичдим:
> «Улар фароғат диёримга кирмайди», дедим.”*

12 Эй биродарларим, эҳтиёт бўлинглар! Ёмон ниятга қалбингиздан ўрин
берманглар, Худога бўлган ишончингизни йўқотманглар. Акс ҳолда, бу иллатлар
сизларни барҳаёт Худодан қайтаради. 13 Ҳар кунни Муқаддас битиклардаги
“бугун” деб билиб, бир–бирингизга насиҳат қилинглар. Тағин бирортангиз
гуноҳга алданиб, юрагингизни тош қилманглар. 14 Ахир, биз Масиҳга шерик
бўлдик. Фақат бошида эга бўлган имонимизни охиригача маҳкам тутишимиз
лозим. 15 Бир–бирингизга Забурдаги шу сўзларни эслатиб турингглар:

> “Қанийди, бугун Менинг овозимга қулоқ солсангиз!
> Менга қарши исён қилган оталарингиздай тош юрак бўлманглар!”

16 Ўшанда Худонинг овозини эшитиб туриб, исён қилган ким эди? Мусо Мисрдан
олиб чиққанларнинг ҳаммаси!* 17 Қирқ йил давомида Худо кимдан
ғазабланганди? Гуноҳ қилган одамлардан! Улар ҳаммаси ўлди, саҳро уларга қабр
бўлди. 18 Худо онт ичиб: “Улар фароғат диёримга кирмайди”, дея ким ҳақида
айтган эди? Албатта итоатсиз одамлар ҳақида! 19 Демак, улар Худога
ишонмаганлари учун фароғат диёрига кира олмадилар.

4–БОБ

Худо Ўз халқига ваъда қилган фароғат

1 Худонинг фароғат диёрига кириш ҳақидаги ваъдаси ҳануз кучда қолган.
Шунинг учун эҳтиёт бўлайлик, тағин ваъда қилинган фароғат диёрига киришга
номуносиб бўлиб қолмайлик. 2 Ахир, фароғат диёри ҳақидаги Хушхабар Исроил
халқига саҳрода эълон қилингандай, бизга ҳам эълон қилинди. Аммо улар бу
хабарни эшитсалар ҳам, унинг қадрига етмадилар. Улар бизга ўхшаб, бу хабарни
эшитдилар, аммо унга ишонмадилар. 3 Биз ишонганимиз учун фароғат диёрига
кирамиз. Ишонмаганлар ҳақида эса Худо шундай деганди:

“Шунинг учун ғазабланиб, онт ичдим:
«Улар фароғат диёримга кирмайди.»”*

Ҳолбуки, Худо фароғат диёрини дунёни яратгандаёқ тайёрлаб қўйган. 4 Чунки
яратилишнинг еттинчи куни ҳақида Муқаддас битикларда шундай дейилган:

“Еттинчи куни Худо ҳамма ишларини битириб, дам олди.”*

Аммо баъзи одамлар Худонинг фароғат диёрига кирмадилар. 5 Юқоридаги
парчада айтилгандай:

“Улар фароғат диёримга кирмайди.”

6 Бундан англашиладики, фароғат ҳақидаги Хушхабарни биринчи бўлиб
эшитганлар ўз итоатсизлиги учун фароғат диёрига кирмаган эдилар. Аммо баъзи
кишиларга у ерга кириш учун имконият бор. 7 Худо ўша кишиларни кўзда тутиб,
“бугун” деб аталган яна бир кунни* тайин қилди. Кўп йиллардан кейин бу кун
ҳақида У Довуд орқали гапирди. Худонинг бу гапини мен олдин ҳам айтиб
ўтганман*:

“Қанийди, бугун Менинг овозимга қулоқ солсангиз!
Тош юрак бўлманглар!”

8 Агар Ёшуа* Исроил халқини фароғатга эриштирганда эди, ўшандан кейин Худо
бошқа бир кун ҳақида гапирмаган бўларди. 9 Хуллас, Худонинг халқини Шаббат
кунига* ўхшаган фароғат кутмоқда. 10 Худонинг фароғат диёрига кирганлар, Худо
каби ўз ишларидан дам оладилар, чунки Худо ҳам дунёни яратиб бўлгандан
кейин дам олган эди. 11 Шундай экан, фароғат диёрига киришга жон куйдирайлик.
Акс ҳолда, биз ҳам Исроил халқидай итоатсизлик қилиб, фароғатдан бебаҳра
қоламиз.

Худо каломининг таъсирчанлиги

12 Худонинг каломи жонли ва таъсирли, ҳар қандай дудама қиличдан
ўткирроқдир. У жон билан руҳни, бўғинлар билан иликни ажратгудек суқилиб
киради. Худонинг каломи хаёлу юракнинг ниятларини фош этади. 13 Бутун
борлиқ Худонинг кўзи олдида яп–яланғоч ва очиқдир. Ҳеч ким ва ҳеч нарса Ундан
пинҳон эмас. Биз Унга ҳисоб берамиз!

Улуғ Олий руҳонийимиз Исо

14 Шундай экан, ўзимиз эътироф этган эътиқодимизни маҳкам тутайлик!
Зотан, бизнинг улуғ Олий руҳонийимиз бор. Худонинг самодаги ҳузурига кириб

борган бу Олий руҳонийимиз Худонинг Ўғли Исодир. 15 У ожизликларимизга
ҳамдард бўла олади. Ахир, У биз каби ҳар томонлама синалган, лекин бизга ўхшаб
гуноҳ қилмаган. 16 Келинглар, иноятли Худойимизнинг тахтига жасорат билан
яқинлашайлик. Шунда У бизга марҳамат кўрсатади, Унинг иноятизарур вақтда
бизга ёрдам беради.

5–БОБ

1 Ҳар бир олий руҳоний инсонлар орасидан танлаб олинади. У Худога гуноҳлар
учун назрлар ва қурбонликлар келтириб, халқ вакили бўлиб хизмат қилади.
2 Ғафлатда гуноҳ қилиб қўйган одамларни олий руҳоний тушунади, чунки у ўзи
ҳам инсон, камчиликлари бор. 3 Шу сабабдан у нафақат халқнинг гуноҳлари учун,
балки ўзининг гуноҳлари учун ҳам қурбонликлар келтириши зарур. 4 Ҳеч ким ўз
хоҳиши билан олий руҳоний бўла олмайди, балки Ҳорунга* ўхшаб Худо
томонидан тайинланади.
5 Шу тариқа, Масиҳ ҳам олий руҳонийлик шарафига интилмади, бундай
мартабага У даъвогарлик қилмади. Аксинча, Унга:

“Сен Менинг Ўғлимсан,
Бугун Мен Сенга Ота бўлдим”*,

— деб айтган Худо Уни Олий руҳоний қилиб тайинлади. 6 Зеро, бошқа бир жойда
Худо Унга шундай деган:

“Сен Маликсидиқ* сингари,
То абад руҳонийсан.”*

7 Масиҳ бу дунёда яшаган пайтда кўз ёш тўкиб, Худога фарёд қилди, Унга
илтижо қилиб ёлворди*. Чунки Худо Уни ўлимдан қутқаришга қодир эканлигини
Масиҳ билар эди. У Худони юксак даражада эъзозлагани учун Унинг илтижоси
ижобат бўлди. 8 Гарчи У Худонинг Ўғли бўлса ҳам, азоб–уқубат чекиб,
итоаткорликнинг асл маъносини англади. 9 Худо азоблар орқали Масиҳни
баркамол қилди. Шундай қилиб, Унга итоат қилганларнинг ҳаммаси учун Масиҳ
абадий нажот манбаи бўлди. 10 Худо Масиҳни “Маликсидиқ сингари Олий
руҳоний” деб эълон қилди.

Имонда улғайинглар

11 Олий руҳонийимиз ҳақида сизларга яна кўп гапирган бўлардим–у, аммо
қандай қилиб сизларга тушунтиришни билмайман, чунки сизнинг ақлингиз
ўтмас бўлиб қолган. 12 Сизлар ўзларингиз аллақачон устозлик қилишингиз керак
эди! Аммо сиз бошқаларга эмас, бошқалар сизларга Худо каломининг илк
асосларини ўргатишлари керак. Сизлар ҳали ҳам сутга муҳтожсиз! Қуюқ овқатни
ҳазм қила олмайсиз. 13 Сут билан озиқланадиган ҳар бир киши ҳали чақалоқ. У
тўғри билан нотўғрининг фарқига бормайди. 14 Қуюқ овқат эса улғайганлар
учундир. Улар тажриба орттириб, яхшини ёмондан фарқлай оладилар.

6–БОБ

1 Шундай экан, Масиҳнинг бошланғич таълимотида тўхтаб қолмайлик.
Аксинча, имонда етук бўлишга интилайлик. Ҳадеб таълимотнинг илк асосларини
ўрганавермайлик. Ўлимга етакловчи ишлардан тавба қилиш ва Худога ишониш
ҳақида, 2 покланиш маросимлари* ва қўл қўйиб дуо қилиш ҳақида, ўликларнинг

тирилиши ва абадий ҳукм ҳақида қайта–қайта таълим олишимиз шарт эмас.
3 Энди Худонинг мадади билан етуклик сари қадам ташлайлик.

Огоҳликка ва умидворликка чорловчи сўзлар

4 Наҳотки Худодан юз ўгирган одамни яна тавбага олиб келиб бўлса?! Бундай
одам Худонинг нурини кўриб, самовий инъомдан лаззат олган, Муқаддас Руҳдан
баҳраманд бўлиб, 5 Худо каломининг эзгулигини тотиб кўрган ва келажак
дунёнинг қудратини ўз тажрибасида кўрган. 6 Агар шуларга қарамай, у Худодан
қайтса, икки дунёда ҳам тавба қилмайди! Чунки бу қилмиши билан Худонинг
Ўғлини гўё бошқатдан хочга михлаб, ҳамманинг олдида Уни шарманда
қилаётгандай бўлади.
7 Худонинг йўлидан юрган одамни мўл–кўл ёмғирга тўйган ерга ўхшатса
бўлади. Бундай ер деҳқонлар учун яхши ҳосил етиштириб, Худодан барака
топади. 8 Худодан қайтган одам эса янтоғу тикан босган ерга ўхшайди. Бундай ер
фойдасиз бўлиб, лаънатга дучор бўлиш хавфи остида қолади. Охир–оқибатда эса
оловга ем бўлади.
9 Севимли биродарларим, қаттиқ гапирганимга қарамай, сизлардан кўнглим
тўқ. Сизлар нажотга элтувчи тўғри йўлдан кетаётганингизга ишончим комил.
10 Ахир, Худо адолатлидир. У сизнинг ишингизни унутмайди, Унга бўлган
муҳаббатингиз туфайли азизларига қилган ва қилаётган хизматларингизни
ёдида тутади. 11 Хизматдаги бу шижоатингизни ҳар бирингиз охиригача
асрашингизни чин дилдан хоҳлаймиз. Чунки шундагина Масиҳга бўлган
умидингиз сўнмайди. 12 Эринчоқ бўлманглар. Аксинча, имони ва сабр–тоқати
туфайли Худонинг ваъдаларидан баҳраманд бўлган биродарлардан ўрнак
олинглар.

Худонинг ўзгармас ваъдаси умид бағишлайди

13 Худонинг Иброҳимга берган ваъдасини эсланглар. Ўшанда Худо Ўз номи
ҳақи қасам ичганди. Зеро, қасам ичиш учун Ўзидан буюкроқ бирон зот йўқ эди.
14 Ўшанда Худо қасам ичиб, шундай деганди:

> “Сенга албатта қут–барака бераман,
> Наслингни сон–саноқсиз қиламан.”*

15 Иброҳим сабр–тоқат қилиб, берилган ваъдага эришди.
16 Одамлар қасам ичганларида ўзларидан буюкроқ бўлган кимсанинг исми
ҳақи қасам ичадилар. Қасам айтилган гапнинг тасдиғи ҳисобланади ва ҳар қандай
баҳсга хотима беради. 17 Шунга ўхшаб, Худо ҳам Ўз ваъдасини қасам билан
тасдиқлади. Чунки халқига барака беришни ваъда қилган Худо шу орқали Ўз
иродасининг қатъий эканлигини аниқ кўрсатмоқчи эди. 18 Худо ёлғон
гапирмайди! Унинг берган ваъдаси ва ичган қасами ҳеч қачон ўзгармайди.
Худонинг тасдиқлаган ваъдасидан энди биз кучли далда олиб, У берган умидни
маҳкам тутайлик. Ахир, биз Худодан паноҳ топганмиз. 19 Бу умид жонимиз учун
тебранмас, мустаҳкам лангардайдир. Умидимиз бизни самовий Чодирдаги*
парданинг орқа тарафига, Худонинг ҳузурига олиб киради. 20 Исо биздан олдин у
ерга кириб, биз учун йўл очиб берди. У Маликсидиқ* сингари то абад Олий
руҳонийимиз бўлди.

7–БОБ

Улуғ руҳоний Маликсидиқ

1 Маликсидиқ* — Салим* шоҳи ва Худойи Таолонинг руҳонийси эди. Иброҳим тўртта шоҳни мағлуб этиб, қайтиб келаётганда, Маликсидиқ уни кутиб олгани чиқиб, дуо қилган эди. 2 Иброҳим эса қўлга киритган ҳамма ўлжасининг ўндан бирини Маликсидиққа берганди.

Маликсидиқ исмининг маъноси “адолат шоҳи” демакдир. У яна “тинчлик шоҳидир”, чунки Салим “тинчлик” маъносини беради. 3 Унинг на отаси, на онаси, на насабномаси бор. Ҳаётининг боши ҳам, охири ҳам йўқ. У Худонинг Ўғли сингари, то абад руҳоний бўлиб қолади.

4 Маликсидиқ қанчалик буюк зот эканлигини билиб қўйинг! Ҳатто улуғ бобокалонимиз Иброҳим ҳам ўлжасининг ўндан бирини унга берганди. 5 Леви наслидан бўлган руҳонийлар* эса Худонинг қонуни бўйича Исроил халқидан, яъни ўз биродарларидан ушр* йиғишлари керак эди. Ваҳоланки, Исроил халқининг ҳаммаси Иброҳимнинг авлодларидир. 6 Маликсидиқ Леви наслидан бўлмаса–да, Иброҳимдан ушр олди. Сўнг Иброҳимни — Худонинг ваъдаларини олган зотни дуо қилди. 7 Ҳаммамизга маълумки, дуо қилган одам дуо олган одамдан улуғроқдир. 8 Ушр йиғадиган руҳонийлар фоний бандалар эди. Иброҳимдан ушр олган Маликсидиқ эса, Муқаддас битикларда ёзилишича, ҳануз барҳаётдир. 9 Ҳатто айтишимиз мумкинки, ушр олувчи леви руҳонийлари ҳам Иброҳим орқали Маликсидиққа ушр бергандилар. 10 Чунки Маликсидиқ Иброҳимни кутиб олганда, леви руҳонийлари ҳали бобокалони Иброҳимнинг пушти камарида эдилар.

Маликсидиққа ўхшаш бошқа бир Руҳоний

11 Леви руҳонийлари бизни баркамол қила олмайдилар. Шунинг учун Худо Ҳоруннинг насабидан* бўлган руҳонийни эмас, балки Маликсидиққа ўхшаган бошқа бир руҳонийни* юборди. Исроил халқига берилган қонунлар леви руҳонийлари орқали жорий қилинган эди. 12 Шундай экан, Худо янги руҳонийликни ташкил қилганда, янги қонунларни ҳам жорий қилди. 13-14 Буни биз айтиб ўтган руҳоний, яъни Раббимиз Исо мисолида аниқ кўришимиз мумкин. Биз биламизки, Раббимиз Исо Леви қабиласидан эмас, балки Яҳудо қабиласидан келиб чиққан. Яҳудо қабиласидан ҳеч ким руҳоний бўлиб қурбонгоҳда хизмат қилмаган. Бунинг устига, Мусо бу қабила ҳақида гапирганда руҳонийликка доир бирон кўрсатма бермаган. 15 Янги қонунлар жорий қилинганини яна шундан аниқ кўришимиз мумкин: Раббимиз худди Маликсидиқ кабидир. 16 Унинг руҳонийлиги бу фоний дунёнинг талабига, яъни насл–насабга доир қоидаларга* асосланмаган, балки Маликсидиқнинг руҳонийлиги сингари, чексиз ҳаёт қудратига асосланган. 17 Зотан, Муқаддас Битикда У ҳақда шундай ёзилган:

> “Сен Маликсидиқ сингари,
> То абад руҳонийсан.”*

18 Демак, аввалги қонун–қоидалар ожиз ва самарасиз бўлгани учун бекор қилинди. 19 Чунки қонун бирон–бир кишини камолотга етказа олмаган. Энди қонун ўрнига бизга аълороқ бир умид берилди, биз бу умид орқали Худога яқинлаша оламиз.

20-21 Бундан ташқари, Худо Исони Олий руҳоний қилиб тайинлаганда онт ичганди. Муқаддас битикларда бу ҳақда шундай дейилган:

“Эгамиз онт ичган, қарорини ўзгартирмас:
«Сен то абад руҳонийсан.»”

Аммо леви руҳонийлари тайинланганда, Худо бирон марта онт ичмаган. 22 Демак, Худо Исо орқали бизни аълороқ бир аҳдга эриштирди, Исонинг Ўзи бунга кафилдир*.

23 Яна бир фарқ шундаки, леви руҳонийларининг сони кўп эди, чунки ўлим руҳонийларга ўз хизматларини давом эттиришга монелик қилар эди. 24 Аммо Исо мангу бўлгани учун то абад руҳоний бўлиб хизмат қилади. 25 Шунинг учун У Ўзи орқали Худога яқинлашувчиларга абадий нажот бера олади. Ахир, Исо барҳаёт бўлиб, улар учун Худога илтижо қилади.

26 Бизга айнан шундай — муқаддас, беғубор ва пок Олий руҳоний керак эди. Исо гуноҳкорлардан айрилган, осмондан ҳам юксакка кўтарилган. 27 У бошқа олий руҳонийлар каби, ҳар куни олдин ўз гуноҳлари учун, кейин халқнинг гуноҳлари учун қурбонлик келтириши керак эмас. Чунки У бир марта Ўзини қурбон қилиб, халқнинг гуноҳлари учун келтириладиган ҳамма қурбонликларга чек қўйди. 28 Тавротга биноан олий руҳонийликка ожиз бандалар тайинланарди. Аммо энди Худонинг онт ичиб берган ваъдасига* биноан олий руҳонийликка Худонинг Ўғли тайин этилди. У баркамолликка эришган ва то абад баркамол бўлиб қолади.

8–БОБ

Олий руҳонийимиз Исо — янги аҳднинг Воситачиси

1 Айтган гапларимизнинг мағзи қуйидагича: бизнинг шундай Олий руҳонийимиз борки, У самода, Улуғвор Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди*. 2 У самодаги ҳақиқий Чодирнинг* Энг муқаддас хонасида хизмат қиляпти. Бу Чодирни инсон эмас, балки Эгамизнинг Ўзи қурган.

3 Ҳар бир олий руҳоний Худога назрлар ва қурбонликлар келтириш учун тайин этилади. Шундай экан, бизнинг Олий руҳонийимизнинг ҳам келтирадиган бирор назри бўлиши лозим эди. 4 Агар У ер юзида бўлганда эди, умуман руҳоний бўлолмас эди. Чунки Мусонинг қонунида буюрилган назрларни келтирувчи руҳонийлар бор. 5 Улар ер юзидаги Муқаддас чодирда хизмат қиладилар. Бу Чодир бор–йўғи самодаги ҳақиқий Чодирнинг нусхаси ва соясидир. Негаки, Худо Мусога Чодир қуришни буюрганда, унга шундай деганди: “Эҳтиёт бўл, ҳамма нарсани Мен сенга тоғда кўрсатган намунага мувофиқ ясат.”* 6 Аммо Исога берилган руҳонийлик хизмати бошқа руҳонийларникига қараганда буюкдир. Чунки Унинг воситасида тузилган янги аҳд аввалги аҳддан* улуғроқ ва аълороқ ваъдаларга асосланган.

7 Дарвоқе, агар аввалги аҳд камчиликсиз бўлганда эди, янги аҳд керак бўлмасди. 8 Одамлар аввалги аҳд талабларини бажара олмасликларига Худонинг кўзи етиб, У Ўз халқига шундай деган эди:

“Шундай кунлар келадики, Мен Исроил ва Яҳудо халқлари билан янги аҳд тузаман. 9 Бу янги аҳд Мен уларнинг ота–боболари билан тузган аҳдга ўхшамайдиган бўлади. Мен ота–боболарини қўлидан етаклаб, Мисрдан олиб чиққанимда, улар билан аҳд тузган эдим. Аммо улар ўша аҳдимга риоя қилишмади, шунинг учун Мен улардан юз ўгирдим.

10 Мен келажакда Исроил халқи билан тузадиган аҳд шундай бўлади:
Мен қонунларимни одамларнинг онгига солиб қўяман, қонунларимни

уларнинг юракларига ёзаман. Мен уларнинг Худоси, улар эса Менинг халқим бўладилар. 11 Шундан кейин одамлар бир–бирига: «Эгамизни таниб–билинг», демайдиган бўлишади. Чунки уларнинг ҳаммаси — каттасидан тортиб, кичигигача Мени биладиган бўлади. 12 Мен уларнинг айбларини кечираман, гуноҳларини ҳеч қачон эсга олмайман.”*

13 Худо янги аҳдни тилга олганда, аввалги аҳднинг эскириб кетганлигини кўрсатди. Эскирган нарса эса тез орада йўқ бўлиб кетади.

9–БОБ

Аввалги аҳд давридаги диний хизмат

1 Дарвоқе, аввалги аҳд* даврида саждага оид қонун–қоидалар ва бу дунёга мансуб бўлган бир саждагоҳ бор эди. 2 Бу саждагоҳ Чодир* бўлиб, икки хонадан иборат эди. Биринчи хона Муқаддас хона деб аталарди. У ерда чироқпоя, хонтахта ва хонтахта устида муқаддас нонлар бор эди. 3 Чодирнинг ички пардаси орқасида Энг муқаддас хона деб аталган яна бир хона бор эди. 4 Бу хонада тутатқи тутатиладиган олтин қурбонгоҳ ва ҳар томони олтин билан қопланган Аҳд сандиғи турарди. Аҳд сандиғи ичида манна* солинган олтин идиш, Ҳоруннинг гуллаган ҳассаси ва амрлар ёзилган иккита тош лавҳа бор эди*. 5 Сандиқнинг қопқоғи устига Худо ҳузурининг рамзи — қанотли карублар* ўрнатилганди. Карубларнинг тепага кўтарилган қанотлари қопқоқни беркитиб турарди. Буларнинг ҳаммасини ҳозир бирма–бир айтишнинг мавриди эмас.

6 Хуллас, Чодир шу тарзда жиҳозланган эди. Руҳонийлар ҳар куни Чодирнинг биринчи хонасига кириб, ўз хизматларини адо этардилар. 7 Чодирнинг ички — Энг муқаддас хонасига эса фақатгина олий руҳоний йилда бир мартагина кирарди. У доим ўзи билан қурбонлик қонини олиб кирарди. Бу қонни ўзининг ва халқнинг билмасдан қилган гуноҳлари учун назр қиларди. 8 Ўрнатилган ўша тартибга биноан, Муқаддас Руҳ шуни кўрсатяптики, Энг муқаддас хона халқ учун ёпиқ. Чодирнинг биринчи хонасига оид бўлган қоидалар ҳануз кучда экан, самодаги Энг муқаддас хонага* ҳам ҳали йўл ёпиқ. 9 Бу қоидалар ҳозирги замон учун рамздир, улар шундай маънони билдиради: келтирилган назрлар ва қурбонликлар Худога сажда қилувчиларнинг виждонини поклай олмайди. 10 Бу назрлару қурбонликлар, шунингдек, егулик, ичгулик ва ҳар хил покланиш маросимларига оид удумлар инсон танаси билан боғлиқ. Булар янги тартиб ўрнатилгунча амал қилган.

Масиҳ — баркамол қурбонлик

11 Энди эса Масиҳ келган* хайр–баракаларнинг Олий руҳонийси бўлди. У инсон қўли билан қурилмаган, бу дунёга мансуб бўлмаган самодаги мукаммал Чодирга* кирди. Ердаги Чодирдан буюкроқ бўлган самодаги бу Чодирдан ўтиб, 12 Энг муқаддас хонага кирди. Масиҳ бу хонага такалар ва буқаларнинг қони билан эмас, балки Ўз қони эвазига кирди. У ерга бир марта кириб, бизни то абад гуноҳлардан озод қилди. 13 Илгарилари такалару буқаларнинг қони* ҳамда куйдирилган ғунажиннинг кули* ҳаром бўлган кишиларнинг устига сепилганда, улар жисман покланардилар. Жониворларнинг қони билан шундай натижага эришилган бўлса, 14 Масиҳнинг қони билан бундан–да буюкроқ натижага эришса бўлади! Зеро, Масиҳ мангу Руҳнинг қудрати орқали Ўзини бенуқсон қурбонлик сифатида Худога бағишлади. Унинг тўкилган қони виждонимизни ўлимга етакловчи ишлардан поклайди, шунда биз барҳаёт Худога хизмат қила оламиз.

15 Ана шу сабабдан Масиҳ янги аҳднинг* воситачиси бўлди. Энди даъват
этилган одамлар Худонинг ваъда қилган абадий меросига эга бўла оладилар.
Улар аввалги аҳд даврида берилган Худонинг қонунини бузиб, гуноҳ қилган
эдилар. Масиҳ эса уларни гуноҳларидан халос қилиш учун қурбон бўлди. 16 Янги
аҳдни гўё васиятга ўхшатса бўлади. Қаерда васият бор бўлса, васият қилган
одамнинг ўлими тасдиқланиши керак. 17 Чунки васият ўлимдан кейингина кучга
киради*. Васият қилувчи ҳали тирик экан, васиятнинг ҳеч бир таъсири йўқ.
18 Шу боис аввалги аҳд ҳам тўкилган қон орқали* кучга кирганди. 19 Бошида
Мусо Тавротдаги ҳамма амрларни бутун халққа ўқиб берди. Сўнг бир тутам
иссоп* ва қирмизи ип ёрдамида буқалар ва такаларнинг қони билан сувни Таврот
китобига ва бутун халқнинг устига сепиб, 20 деди: “Шу қон Эгамизнинг сизлар
билан қилган аҳдини тасдиқлайди.”* 21 Шунингдек, Мусо Муқаддас чодир устига
ва сажда маросимларида ишлатиладиган барча ашёлар устига қон сепди.
22 Дарҳақиқат, Мусонинг қонуни бўйича деярли ҳамма нарса қон билан
покланади, тўкилган қон орқалигина гуноҳлар кечирилади.
23 Шу сабабдан самовий Чодирнинг акси бўлган бу Чодир ва ундаги ҳамма
ашёлар ҳайвонларнинг қони билан покланиши керак эди. Аммо самовий нарсалар
бундан аълороқ қурбонликларни талаб қилади! 24 Ана шу мақсадда Масиҳ бизлар
учун Худонинг ҳузурида ҳозир бўлди. У ҳақиқий Чодирнинг соясигина бўлган бу
дунёдаги Чодирнинг Энг муқаддас хонасига эмас, балки инсон қўли билан
қурилмаган самовий Чодирга кирди. 25 Леви наслидан бўлган олий руҳонийлар
ҳар йили Энг муқаддас хонага кириб, ҳайвонларнинг қонини назр қиладилар.
Масиҳ эса Ўзини қайта–қайта қурбонлик қилмади. 26 Агар Масиҳ ҳар йили Ўзини
қурбонлик қилганда эди, дунё яратилгандан бери У қайта–қайта азоб чеккан
бўларди. Бунинг ўрнига У мана шу охирги замонда одамларнинг гуноҳларини
ювиш учун бир мартагина оламга келиб, Ўзини қурбон қилди. 27 Инсон зоти бир
марта ўлади, сўнг Худо томонидан ҳукм қилинади. 28 Шу сингари, Масиҳ ҳам
кўпларнинг гуноҳларини Ўз бўйнига олиш учун бир марта қурбон бўлиб, ўлди. Бу
дунёга У қайтиб келади. Бу сафар У гуноҳларни ювиш учун эмас, балки Уни
интизорлик билан кутаётган одамларга нажот бериш учун келади.

10–БОБ

Масиҳ — охирги қурбонлик

1 Қонун бўлғуси хайр–баракаларнинг асл сурати эмас, бор–йўғи соясидир. Ҳар
йили қонун бўйича Худога бир хил қурбонликлар келтирилади. Демак, қонун бу
қурбонликлар орқали Худога сажда қилувчиларни камолотга етказа олмайди.
2 Борди–ю, ўша одамлар қурбонликлари орқали гуноҳдан поклана олганларида
эди, уларнинг виждони қийналмасди ва улар қурбонлик келтиришни бас
қилардилар. 3 Ҳолбуки, қурбонликлар ҳар йили одамларга гуноҳларини эслатади,
холос. 4 Чунки буқаю такаларнинг қони ҳеч қачон гуноҳларни ювa олмайди.
5-6 Шунинг учун Масиҳ дунёга келганда Худога шундай деган эди:

“Сен қурбонлигу назр истамадинг,
Куйдириладиган қурбонлик ҳамда
Гуноҳ қурбонлигидан* мамнун бўлмадинг,
Итоат қилишим учун Менга бадан ҳозирладинг.
7 Ўшанда дедимки: «Мана, Мен келдим.
Муқаддас битикларда Мен ҳақимда ёзилган.

Сенинг хоҳишингни адо этиш учун келдим, эй Худойим.»”*

8 Дастлаб Масиҳ қонун талаб қилган қурбонликлар ҳақида сўз юритиб, Худога:
“Сен қурбонлигу назр истамадинг, куйдириладиган қурбонлик ҳамда гуноҳ
қурбонлигидан мамнун бўлмадинг”, — деб айтган. 9 Сўнг эса ҳақиқий
итоаткорликни тилга олиб, шундай деган: “Сенинг хоҳишингни адо этиш учун
келдим, эй Худойим.” Бундан кўриниб турибдики, Масиҳ қурбонлик
маросимларига асосланган аввалги аҳдни* бекор қилди. Унинг мақсади юракнинг
итоаткорлигига асосланган янги аҳдни* ўрнатиш эди. 10 Масиҳ Худонинг
хоҳишини бажариб, Ўз танасини биз учун қурбон қилди. Бу ягона қурбонлиги
орқали бизни гуноҳдан поклади.

11 Руҳонийлар ҳар куни Худога хизмат қиладилар. Бир хил қурбонликларни
қайта–қайта келтирадилар. Аммо бу қурбонликлар ҳеч қачон гуноҳни ювa
олмайди. 12 Масиҳ эса гуноҳларни абадий ювиб ташлайдиган ягона қурбонликни
келтириб, Худонинг ўнг томонида ўтирди*. 13 “Худо душманларимни оёқларим
остига пойандоз қилади”, — деб Масиҳ ўша вақтдан бери кутмоқда. 14 Дарвоқе,
Масиҳ биттагина қурбонлик орқали гуноҳдан поклаган одамларини то абад
баркамол қилди.

15 Муқаддас Руҳ ҳам бу ҳақда бизга шаҳодат бериб, деди:

16 “Эгамиз шундай демоқда: «Мен келажакда Исроил халқи билан тузадиган
аҳд шундай бўлади: Мен қонунларимни одамларнинг юрагига солиб
қўяман, қонунларимни онгларига ёзаман. 17 Мен уларнинг гуноҳларию
қабиҳликларини ҳеч қачон эсга олмайман.»”*

18 Демак, Худо гуноҳларни кечирган бўлса, бошқа қурбонлик келтиришнинг
ҳожати йўқ.

Имонимизга содиқ қолайлик

19 Эй биродарларим, Исо Масиҳнинг қони туфайли энди биз Энг муқаддас
хонага дадиллик билан кира оламиз. 20 Чунки Исо биз учун янги йўлни очиб
берди. У Чодирдаги парда орқали, яъни қурбон қилинган Ўз танаси орқали ҳаёт
сари етаклайдиган йўлни очди. 21 Ҳа, бизнинг улуғ Руҳонийимиз бор, У Худонинг
бутун хонадони устидан масъулдир. 22 Шундай экан, самимий қалб ва мустаҳкам
ишонч билан Худога яқинлашайлик. Ахир, Масиҳ Ўз қони билан қалбларимизни
тозалаб, виждонимизни қийнаган ҳамма гуноҳлардан поклади*. Баданимиз ҳам
тоза сув билан ювилди*. 23 Энди ўзимиз эътироф этган умидимизни иккиланмай
маҳкам тутайлик. Чунки ваъда берган Худо Ўз сўзига содиқдир. 24 Биз
бир–биримизга эътиборли бўлайлик, бир–биримизни меҳр–муҳаббатга ва хайрли
ишларга чорлайлик. 25 Баъзи одамларга ўхшаб, йиғилишларимизни
қолдирмайлик. Аксинча, Раббимиз Исонинг келадиган куни яқинлашиб
қолганини билиб, бир–биримизни янада кўпроқ руҳлантирайлик.

26 Агар биз ҳақиқатни билиб олгандан кейин, атайлаб гуноҳ қилишда давом
этсак, бу гуноҳларимизни ҳеч қандай қурбонлик ювa олмайди. 27 Шунда қўрқув
ичра Худонинг ҳукмини кутишдан бошқа иложимиз қолмайди. Оқибатда,
Худонинг душманлари билан бирга ловуллаган оловда ёниш бизнинг қисматимиз
бўлади. 28 Мусонинг қонунига бўйсунишни рад этган одам икки ёки уч гувоҳнинг
шаҳодати асосида шафқатсизларча ўлдириларди. 29 Шундай экан, Худонинг
Ўғлини оёқ ости қилган одамни қандай жазо кутишини бир тасаввур қилиб
кўринглар–а! Масиҳнинг аҳд қони билан покланиб, сўнг уни булғаган одамнинг

ҳоли нима кечади?! Худонинг иноят Руҳини ҳақорат қилганнинг ҳоли нима кечади?! 30 Ахир, биз қуйидаги сўзларни айтган Худони яхши биламиз:

> “Мен қасос оламан, жазосини бераман*.
> Мен Ўз халқимни ҳукм этаман*.”

31 Ҳа, барҳаёт Худонинг қўлига тушиб қолиш нақадар даҳшатлидир!
32 Ўтмишингизни эсланглар. Ўшанда сизлар Худонинг нурини кўриб, кўп азоб–уқубатларга бардош берган эдингизлар. 33 Баъзида сизларни ҳамманинг олдида ҳақоратлаб, хор қилишарди. Бошқа пайтларда бундай аҳволда қолган биродарларингизга ён босардингиз. 34 Қамоқда бўлганларга ҳамдард бўлардингиз, мулкингиз мусодара қилинганда, буни хурсандчилик билан қабул қилардингиз, чунки сизларда боқий бойлик борлигини билардингиз. 35 Шундай экан, олдингидай имонда қатъиятли бўлинглар! Шунда буюк мукофот оласизлар.
36 Сабр–тоқатли бўлиб, Худонинг иродасини бажаринглар. Шунда Худонинг ваъдасига эришасизлар. 37 Ахир, Муқаддас битикларда айтилгандай*, келиши керак бўлган Зот ҳадемай келади. У кеч қолмайди. 38 Худонинг солиҳлари Унга бўлган садоқати туфайли тирик қолишади. Борди–ю, бирортаси имондан қайтса, Худо ундан рози бўлмайди.
39 Биз эса имондан қайтиб, ҳалок бўладиган одамлардан эмасмиз. Биз имонимизга содиқ қолган, нажот топган одамлармиз.

11–БОБ

Имон нима?

1 Имон — умид қилинган нарсаларнинг амалга ошишига ишониш, кўринмайдиган нарсаларга амин бўлиш демакдир. 2 Имон туфайли ота–боболаримиз Худонинг мақтовига сазовор бўлдилар.

Қадимги имон қаҳрамонлари

3 Имон туфайли биз коинот Худонинг каломи билан яратилганини англаб оламиз, кўринадиган моддалар кўринмайдиган воқеликдан вужудга келганини биламиз.
4 Имони туфайли Ҳобил* Худога, Қобилдан кўра, яхшироқ қурбонликни келтирди. Худо Ҳобилнинг қурбонлигидан мамнун бўлиб, Ҳобилни имони туфайли солиҳ киши деб билди. Ҳобил ўлган бўлса ҳам, унинг имони ҳануз бизга намуна бўлиб хизмат қиляпти.
5 Имони туфайли Ханўх* ўлмади. У тириклайин осмонга кўтарилиб кетди. Ханўх бирданига ғойиб бўлиб қолганди, чунки Худо уни олиб кетган эди. Муқаддас битикларда айтилишича, Худо Ханўхни олиб кетмасдан олдин ҳам ундан мамнун эди. 6 Ишонмаган одам ҳеч қачон Худони мамнун қила олмайди. Ахир, Худога сажда қилаётган ҳар ким Худонинг борлигига ишониши керак, Худога юз бурганларга Худонинг Ўзи мукофот беришига у амин бўлиши керак.
7 Имони туфайли Нуҳ* оиласини қутқариш учун кема қурганди. У мисли кўрилмаган кулфат ҳақидаги Худонинг огоҳлантиришларини эшитиб, Худодан қўрқиб, Унга қулоқ солганди. Қилган бу иши билан у Худонинг бутун дунё устидан чиқарган ҳукмини эълон қилди. Худо уни имони туфайли солиҳ киши деб билди.
8 Имони туфайли Иброҳим* Худога итоат қилди. Худо унга: “Мен сенга мулк қилиб берадиган ерга бор”, деб буюрганда, Иброҳим қаерга кетаётганини

билмасдан йўлга тушди. [9] Имони туфайли у Худо ваъда қилган ерда ўрнашди,
мусофир бўлиб, чодирларда яшади. Унинг ўғиллари Исҳоқ ва Ёқуб ҳам у каби кун
кечиришди, чунки Худо уларга ҳам худди ўша ваъдани берганди. [10] Нега Иброҳим
бундай қилди? Чунки у Худо томонидан лойиҳалаштирилган ва қурилган,
пойдевори мустаҳкам, боқий шаҳарни кутаётган эди. [11] Ўзи қариб кетган, хотини
Сора эса бепушт бўлганига қарамай, Иброҳим имони туфайли фарзанд кўрди*.
Чунки фарзандни ваъда қилган Худо садоқатли эканига у ишонарди. [12] Шунинг
учун бир оёғи гўрда бўлган бу битта одамдан осмондаги юлдузлардай, денгиз
қирғоғидаги қумдай сон–саноқсиз насл келиб чиқди.

[13] Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб оламдан ўтдилар, аммо Худо берган ваъдасини
бажаришига улар ишонардилар. Улар Худо ваъда қилган юртга эришмадилар,
аммо ўша юртни узоқдан кўриб, хурсанд бўлган эдилар. Улар бу дунёда келгинди
ва мусофир эканликларини очиқчасига тан олдилар. [14] Мусофирлигини тан олган
одамлар ўзларининг ҳақиқий ватанини қўмсаётганини кўрсатадилар. [15] Борди–ю,
улар келиб чиққан юртини қўмсаган бўлганларида эди, у ерга қайтиб бориш учун
иложини топган бўлар эдилар. [16] Аслида улар яхшироқ юртни, яъни самовий
ватанни қўмсаётган эдилар. Шунинг учун Худо Ўзини уларнинг Худоси деб
аташдан ор қилмайди. Худо ҳатто улар учун бир шаҳар ҳозирлаган эди.

[17-18] Худо Иброҳимни синовдан ўтказаётганда*, Иброҳим ўз имони туфайли
ўғли Исҳоқни қурбонликка олиб борди. Гарчи Худо унга: “Мен сенга ваъда қилган
наслинг Исҳоқ орқали келиб чиқади”*, — деб ваъда берган бўлса–да, у ягона
ўғлини қурбонлик қилишга тайёр эди. [19] Демак, Худо ҳатто ўликларни ҳам
тирилтиришга қодир эканлигига Иброҳим ишонарди. Шунинг учун Худо Исҳоқни
Иброҳимга тириклайин қайтариб берди. Исҳоқ ўликдан тириладиган ҳамма
одамларнинг рамзи бўлиб хизмат қилади.

[20] Имони туфайли Исҳоқ* ўз ўғиллари Ёқуб ва Эсовни дуо қилди. Келажакда
дуолари амалга ошишига у ишонганди. [21] Имони туфайли Ёқуб* ҳам Юсуфнинг
ўғилларини бирма–бир дуо қилди. У оламдан кўз юмаётганда ҳам, ўз ҳассасига
суянганича, Худога сажда қилди*. [22] Имони туфайли Юсуф* Исроил халқининг
Мисрдан чиқиб кетиши тўғрисида башорат қилди. У ўша пайтда ўлим тўшагида
ётган бўлиб: “Менинг суякларимни ўзларингиз билан бу ердан олиб кетинглар”,
деб васият қилганди.

[23] Имони туфайли Мусонинг ота–онаси* янги туғилган Мусони уч ой
яширишди. Улар чақалоқнинг чиройли эканлигини кўриб, фиръавннинг
фармонидан қўрқишмади. [24] Мусо* вояга етганда имони туфайли фиръавн
қизининг ўғли деб аталишни рад этди. [25] У гуноҳ қилиб, вақтинчалик
ҳузур–ҳаловатда яшашдан кўра, Худонинг халқи билан бирга азоб–уқубат
чекишни ўзига раво кўрди. [26] У келажакдаги мукофотни кўзлагани учун Масиҳни
деб хўрланишни Мисрнинг хазиналаридан афзал деб билди. [27] Имони туфайли
Мусо Мисрни тарк этди. У фиръавннинг ғазабидан қўрқмади. Гўё кўринмас
Худони кўргандек, танлаган йўлидан қайтмади. [28] Имони туфайли у Исроил
халқига Фисиҳ* қўзиларини сўйишни буюрди. Сўнг қўзиларнинг қонини эшиклар
кесакиларига* сепишни буюрди. Бундан мақсади Исроил халқининг тўнғич
ўғилларини Азроилдан асраб қолиш эди.

[29] Имони туфайли Исроил халқи Қизил денгиздан* худди қуруқликдан
ўтаётгандек кечиб ўтди. Мисрликлар ҳам ўтмоқчи бўлишди, аммо чўкиб кетишди.

[30] Исроил халқи етти кун Ерихо шаҳри* деворлари атрофида айланиб
бўлгандан кейин, уларнинг имони туфайли шаҳар деворлари қулаб тушди.
[31] Имони туфайли фоҳиша Раҳоба* ҳалок бўлмади. У айғоқчиларга меҳмондўстлик

қилгани учун Худога итоат қилмаган ҳамшаҳарлари билан бирга ўлмади.
32 Яна кимни мисол қилиб келтирай?! Гидўн, Барақ, Шимшўн, Йифтох, Довуд,
Шомуил* ва бошқа пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилиш учун вақтим етарли эмас.
33 Имони туфайли улар шоҳликларни босиб олдилар, давлатни адолат билан
бошқардилар ва Худо берган ваъдаларга эришдилар. Шерларнинг* жағларини
ёпдилар, 34 ловуллаган оловни* ўчирдилар ва қилич тиғидан омон қолдилар.
Ҳолдан тойган пайтларида кучга тўлдилар, жангда баҳодирлик кўрсатдилар ва
ўзга юрт лашкарларини тор–мор қилдилар. 35 Аёллар* марҳум қариндошларини
тирилган ҳолда қайтариб олдилар.

Бошқалар эса имони туфайли қийноқларни бошдан кечирдилар. Улар Худодан
воз кечиб, ўлимдан қутулишлари мумкин эди. Аммо улар бундай қилмадилар,
чунки аълороқ нарсани, яъни абадий ҳаёт учун тирилишни умид қилган эдилар.
36 Улардан баъзилари ҳақорату калтакларга чидадилар, баъзилари занжирбанд
бўлиб, зиндонларда ётдилар. 37 Уларни тошбўрон қилдилар*, таналарини арралаб
иккига бўлдилар*, қиличдан ўтказдилар. Улар қўй ва эчки пўстинларини кийиб,
сарсон–саргардон бўлдилар, муҳтожликда яшадилар, зулм остида қолдилар, хор
бўлдилар. 38 Улар чўл–саҳроларда, тоғ–тошларда дайдиб юрдилар, ғорларда,
ернинг кавакларида яшириндилар. Аслида дунё уларнинг тирноғига ҳам арзимас
эди!
39 Улар имони туфайли Худонинг мақтовига сазовор бўлдилар. Шундай
бўлса–да, Худонинг ваъдасига эришмадилар. 40 Худога содиқ қолган бу одамларни
Худо биз билан бирга баркамол қилишни истади. Чунки У бизни ҳам ўйлаган
ҳолда аълороқ режани тайёрлаб қўйганди.

12–БОБ

Худога содиқ қолинглар!

1 Имони бизга ибрат бўлиб хизмат қиладиган ана шу одамларнинг ҳаммаси
атрофимизни ўраб олган. Бу катта оломон бизни кузатиб тураркан,
тақдиримиздаги мусобақада сабр–тоқат билан чопайлик. Югуришимизга халақит
бераётган ҳар қандай юкни, айниқса, тўсқинлик қилаётган ҳар қандай гуноҳни
бир четга улоқтириб ташлайлик. 2 Исога кўз тикайлик. Ахир, бу имон
мусобақасида У биз учун йўл очиб, бутун масофани биздан олдин югуриб ўтди.
Исо келажакдаги шодликка эришиш учун шармандали ўлимни* писанд қилмай,
хочда азоб тортиб жон берди. Ҳозир эса У Худо тахтининг ўнг томонида
ўтирибди*. 3 Жасоратингиз сўнмаслиги ва кўнглингиз чўкмаслиги учун Исо
ҳақида фикр юритинглар. Ахир, У гуноҳкорлар томонидан кўп хўрланиб,
ҳаммасига чидаган–ку!

Худо Ўз фарзандларини тарбиялайди

4 Сизлар эса қонингиз тўкилгунча гуноҳга қарши курашмадингизлар.
5 Худонинг сизларга Ўз фарзандлари сифатида айтган мана бу далда сўзларини
унутибсизлар:

> “Ўғлим, Эгамизнинг тарбиясига эътиборсиз бўлмагин,
> Ундан танбеҳ олганингда кўнглинг чўкмасин.
> 6 Зеро, Эгамиз яхши кўрган бандасини тарбиялайди,
> Фарзанд қилиб олган ҳар бир одамни жазолайди.”*

7 Чекаётган азобларингизни Худонинг тарбияси деб билиб, сабр–тоқат

қилинглар. Чунки Худо сизларни Ўз фарзандларидай кўриб, тарбия қиляпти. Ахир, ҳар бир ота ўз фарзандини тарбия қилади–ку! 8 Агар Худо сизларни бошқа фарзандларини тарбиялагандай тарбияламаса, демак, сизлар Худонинг фарзандлари эмас, ҳаромзодасизлар. 9 Биз жисмоний оталаримизнинг тарбиясини олиб, уларни ҳурмат қилиб келяпмиз. Шундай экан, янги ҳаётга эга бўлиш учун осмондаги Отамизга бундан–да кўпроқ итоат қилишимиз керак эмасми?! 10 Жисмоний оталаримиз қисқа вақт давомида, бизни ўз билганидай тарбиялаган эдилар. Худо эса бизнинг манфаатимизни кўзлайди. Биз У каби муқаддас бўлишимиз учун Худо бизни тарбиялайди. 11 Одам тарбия олаётганда хурсанд бўлмайди, аксинча, қайғуради. Аммо бундай тарбияни олган одам кейинчалик тинч–тотув ва солиҳ ҳаёт кечиради.

Худонинг йўлидан юринглар!

12 Сизларнинг қўлларингиз толиққан, тиззаларингиз букилган, аммо маҳкам туринг. 13 Ўзингиз учун тўғри йўлни танлаб юринг*. Токи орангиздаги “ожиз” ва “оқсоқ” одамлар йиқилмасин, балки шифо топсинлар.

14 Ҳамма билан тинч–тотув яшашга ҳаракат қилинглар. Ҳалол ҳаёт кечиришга тиришинглар, акс ҳолда, Эгамизни кўра олмайсизлар. 15 Эҳтиёт бўлинглар, тағин, ўзингизни Худонинг иноятидан маҳрум қилиб қўйманглар. Ораларингизда аччиқ илдиз ўсишига йўл қўйманглар, акс ҳолда, унинг заҳри муаммолар туғдириб, кўпларингизни ҳаром қилади. 16 Қаранглар, орангизда Эсовга* ўхшаганлар бўлмасин. Эсов тўнғич ўғил ҳуқуқини бир коса овқат учун сотган ахлоқи бузуқ*, бетавфиқ бир одам эди. 17 Ўзингизга маълумки, кейин Эсов ваъда қилинган меросни олиш учун отасидан: “Мени дуо қилинг”, деб сўради, аммо отаси уни рад этди. Эсов кўз ёш тўкиб, отасига ёлворса–да, воз кечган меросини қайтариб олишга асло имкон йўқ эди*.

Худодан юз ўгирманглар!

18 Сизлар яқинлашган тоғ Синай тоғи* эмас. Синай тоғи жисмоний бир тоғ бўлиб, унга қўл теккизиб кўрса бўларди. У ерда аланга ловуллаб ёнарди, устини зулмат, қора булут қоплаган, бўрон босган эди. 19 Бурғу садоси янграб, Худонинг овози эшитилганди. Буни эшитган одамлар: “Ёлворамиз, Худо бизга бошқа гапирмасин”, деб ўтинганди. 20 Чунки: “Тоққа ҳатто ҳайвон ҳам тегса, тошбўрон қилинсин” деган Худонинг буйруғига улар дош бера олмаган эдилар. 21 Синай тоғидаги манзара шу қадар даҳшатли эдики, Мусонинг ўзи: “Қўрққанимдан титраб кетяпман”, деганди*.

22 Сизлар, аксинча, самодаги Сион тоғига* ва барҳаёт Худонинг шаҳри — самовий Қуддусга яқинлашгансизлар. Шод–хуррамлик қилгани йиғилган минглаб фаришталар олдига келгансизлар. 23 Исмлари осмонда ёзилган Худонинг меросхўрларига сизлар шерик бўлдингизлар. Ҳаммани ҳукм қилувчи Худонинг ҳузурига кирдингизлар. Худо баркамол қилган солиҳларнинг руҳлари олдига келдингизлар. 24 Сизлар янги аҳднинг* воситачиси Исонинг ҳузурига кирдингизлар. Исонинг қонига яқинлашдингизлар. Унинг қони Ҳобилнинг қонига* ўхшаб қасос талаб қилмайди, аксинча, гуноҳларимизни ювиш учун тўкилган*.

25 Эҳтиёт бўлинглар, сизларга гапираётган Худодан юз ўгирманглар! Худо ер юзида гапирган вақтда, Уни рад этганлар ҳалокатдан қутула олмаган эдилар. Шундай экан, биз осмондан гапираётган Худони рад этсак, икки дунёда ҳам жазодан қутула олмаймиз! 26 Ўша вақтда Унинг овози ерни ларзага солган эди*. Энди эса У шундай демоқда*:

“Мен яна бир бор ерни ларзага соламан, аммо бу сафар осмонни ҳам
титратаман.”

27 “Яна бир бор” дегани шуни билдирадики, яратилган бутун мавжудот йўқ бўлиб
кетади, фақат тебранмас, абадий мавжудот қолади.
28 Бизга тебранмас шоҳлик берилган. Шундай экан, Худодан миннатдор бўлиб,
эҳтиром ва қўрқув ила Унга манзур равишда сажда қилайлик. 29 Ахир, бизнинг
Худойимиз ямламай ютадиган оловдир*.

13–БОБ

Сўнгги насиҳатлар

1 Бир–бирингизни биродарлардай яхши кўришни давом эттиринглар.
2 Меҳмондўстликни унутманглар. Зеро, меҳмондўст бўлган баъзи одамлар*
ўзлари билмаган ҳолда фаришталарни меҳмон қилишган. 3 Қамоқдаги
биродарларингизни унутманглар, гўё ўзингиз ҳам улар билан бирга қамоқда
ўтиргандек, уларни ёдингизда тутинглар. Хўрланганларни унутманглар,
ўзингизни уларнинг ўрнига қўйиб кўринглар.
4 Никоҳни ҳаммангиз эъзозланглар. Эр–хотинлик муносабатини беғубор
сақланглар. Фаҳшу зинога берилганларни Худо ҳукм қилади.
5 Пулга кўнгил боғламанглар, бори билан қаноатланинглар. Зеро, Худо:

“Сизларни ташлаб кетмайман, сизларни тарк этмайман”,

— деб айтган*. 6 Шунинг учун биз ишонч билан айта оламиз:

“Эгам Мададкоримдир, шу боис қўрқмайман.
Инсонлар менга нима қила олади?!”*

7 Худонинг каломини сизларга ўргатган устозларингизни хотирланглар.
Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида фикр юритинглар. Имонларига тақлид
қилинглар. 8 Исо Масиҳ кеча, бугун ва то абад Ўшадир, У ўзгармайди.
9 Шундай экан, турли хил ғалати таълимотларга берилиб, тўғри йўлдан оғиб
кетманглар. Қурбонлик маросимларига доир егулик–ичгулик қоидаларига риоя
қилавермай, яхшиси, Худонинг инояти билан юрагингизни бақувват қилинглар.
Ахир, инсонлар яратган бу қоидалар уларга риоя қилувчиларга ҳеч қандай фойда
келтирмайди. 10 Эсингизда бўлсин, биз кўзга кўринмайдиган, ҳақиқий қурбонгоҳ
олдида сажда қилмоқдамиз. Ердаги қурбонгоҳ* олдида сажда қилаётганлар
ҳақиқий қурбонгоҳда сажда қила олмайдилар. 11 Илгарилари олий руҳоний
халқни гуноҳларидан поклаш учун ҳайвонларни қурбонлик қиларди. У
қурбонликлар қонини Муқаддас хонага олиб киргандан сўнг, гўштини емасдан,
сўйилган ҳайвонларни қароргоҳдан ташқарида куйдирарди*. 12 Шу сингари, Исо
ҳам шаҳар* дарвозасидан ташқарида азоб чекиб ўлди. У Ўз қонини тўкиб, халқини
гуноҳлардан поклади. 13 Келинглар, энди биз ҳам қароргоҳ ташқарисига —
Исонинг олдига чиқайлик. У билан бирга хўрликларга чидайлик. 14 Зеро, бизнинг
бу дунёда доимий масканимиз йўқ, биз бўлғуси шаҳарга кўз тикканмиз. 15 Шундай
экан, Исо орқали Худога ҳамду сано назрларини тақдим қилаверайлик. Исони
Раббимиз деб эътироф этишимиз Худога қурбонликдай бўлсин. 16 Яхшилик
қилишни ва бир–биримизга ёрдам беришни унутмайлик, чунки бундай назрлар
Худога манзурдир.

17 Жамоатдаги йўлбошчиларингизга қулоқ солинглар, айтганларини
қилинглар. Ахир, улар имон йўлида сизларга посбонлик қиладилар, Худонинг
олдида сизлар учун ҳисобот берадилар. Уларга итоат қилсангиз, улар ўз ишини
хурсандчилик билан бажарадилар, бўлмаса, ўлган кунидан қиладилар. Бундан
сизга нима фойда?!
18 Мен учун ибодат қилинглар. Виждоним тоза эканлигига аминман. Ҳурматга
лойиқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қиляпман. 19 Ўтиниб сўрайман, мен учун ибодат
қилинглар, токи сизларнинг олдингизга тезроқ қайтиб борай.

Сўнгги дуолар

20 Тинчлик берадиган Худо Раббимиз Исони ўликдан тирилтирди. Исо Ўз қони
билан абадий аҳдни муҳрлагани учун*, Худо Уни Ўз халқининг улуғ Чўпони*
қилиб тайинлади. 21 Шу қадар буюк ишларни қилган Худонинг хоҳиш–иродасини
бажара олишингиз учун, У сизларга ҳар қандай эзгу фазилат ва инъом берсин. У
Ўзининг манзур мурод–мақсадини Исо Масиҳ орқали сизларда бажо келтирсин.
Исо Масиҳга абадулабад шон–шарафлар бўлсин! Омин.
22 Эй биродарларим, сизларга қисқагина мактуб ёздим. Ўтинаман,
мактубимдаги насиҳатларни сабр–тоқат билан қабул қилинглар.
23 Айтмоқчи, биродаримиз Тимўтий* қамоқдан чиқди. Агар бу ерга у вақтида
етиб келса, сизларни кўргани борганимда, уни ҳам олиб бораман. 24 Жамоатдаги
ҳамма йўлбошчиларингизга ва барча Худонинг азизларига салом айтинглар.
Италиялик биродарларимиз сизларга салом йўллаяптилар.
25 Худонинг инояти ҳаммангизга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

1:1 *ота–боболаримиз* — Исо Масиҳ келишидан олдин, Эски Аҳд даврида яшаган Исроил халқи.

1:2 *Бу охирги кунлар* — яъни Исо Масиҳ тирилгандан кейинги давр (9:26 га ва 1 Юҳанно 2:18 га қаранг).

1:3 *...Худонинг ўнг томонида ўтирди* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

1:5 Забур 2:7 га қаранг.

1:5 2 Шоҳлар 7:14 га қаранг.

1:6 *Тўнғич Ўғли* — Исо Масиҳнинг бутун борлиқ устидан ҳукмдор эканлигини билдирадиган унвон (шу бобнинг 2–оятига ва Колосаликлар 1:15-18 га қаранг). Яна Забур 88:28 га қаранг.

1:6 *бу дунё* — бу ўринда муаллиф келажак дунёга ишора қилади (2:5 га қаранг).

1:6 *...Худо шундай деб айтади...* — муаллиф бу ўринда Қонунлар 32:43 ва Забур 96:7 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

1:7 Муаллиф бу ўринда Забур 103:4 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

1:8-9 Забур 44:7-8 га қаранг.

1:10-12 Забур 101:26-28 га қаранг.

1:13 Забур 109:1 га қаранг.

2:2 *ота–боболаримиз* — 1:1 изоҳига қаранг.

2:2 *Фаришталар орқали ота–боболаримизга берилган Худонинг қонуни...* — Қонунлар 33:2-4, Ҳаворийлар 7:53, Галатияликлар 3:19 га қаранг.

2:6 *Инсон зоти...Инсон ўғли* — Забур 8:5 оятининг ибронийча матнида бу иккала ибора одамзодга ишора қилади (Забур 8:5 изоҳига қаранг). Аммо муаллиф Забурдан олинган бу сўзлар билан одамзоднинг комил вакили бўлган Исо Масиҳни назарда тутган. Исо кўпинча ўзига нисбатан Инсон ўғли унвонини ишлатган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИНСОН ЎҒЛИ иборасига қаранг.

2:7 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўзлар кейинги мисра сифатида қўшимча қилинган: *Жамики яратганинг узра Уни ҳукмрон қилдинг*.

2:6-8 Муаллиф бу ўринда Забур 8:5-7 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

2:12 Забур 21:23 га қаранг.

2:13 Ишаё 8:17-18 га қаранг.

2:16 *Иброҳимнинг насли* — ҳамма имонлиларга ишора (Римликлар 4:11-12, 16, Галатияликлар 3:7 га қаранг).

3:5 *Мусо содиқ қул эди* — бу ўринда муаллиф Саҳрода 12:6-8 ни назарда тутган.

3:6 *...маҳкам тутишимиз керак* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *охиригача маҳкам тутишимиз керак*.

3:8 *...исён қилган оталарингиздай...Мени саҳрода синаган ўша аждодларингиздай...*

— Чиқиш 17:1-7 га қаранг.

3:7-11 Муаллиф бу ўринда Забур 94:7-11 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

3:16 *Ўшанда…ҳаммаси!* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Ўшанда Мусо Мисрдан олиб чиққанларнинг ҳаммаси эмас, балки Худонинг овозини эшитганларнинг баъзилари исён қилдилар.*

4:3 Забур 94:11 га қаранг.

4:4 Ибтидо 2:2-3 га қаранг.

4:7 *бир кун* — бу ўриндаги кун сўзи аниқ бир кунга эмас, балки маълум бир муддатга ёки замонга ишора қилади.

4:7 *Худонинг бу гапини мен олдин ҳам айтиб ўтганман…* — 3:15 га қаранг.

4:8 *Ёшуа* — Ёшуа 1:1-6, 21:43-45 га қаранг.

4:9 *Шаббат куни* — яҳудийлар календари бўйича ҳафтанинг еттинчи куни (тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ШАББАТ КУНИ иборасига қаранг). Шаббат кунига риоя қилиш имон бўйича яшашнинг тимсолидир.

5:4 *Ҳорун* — Мусонинг акаси, Исроил халқига олий руҳоний бўлиб хизмат қилган биринчи инсон.

5:5 Забур 2:7 га қаранг.

5:6 *Маликсидиқ* — Ибтидо 14:17-20 да айтиб ўтилган, Ҳорундан олдин яшаган руҳоний. Унинг аждодлари ёки ўлими ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ (7:3 га қаранг).

5:6 Забур 109:4 га қаранг.

5:7 *Масиҳ…илтижо қилиб ёлворди* — Марк 14:32-42, Юҳанно 12:27-33 га қаранг.

6:2 *покланиш маросимлари* — мазкур ибора нимага ишора қилаётгани аниқ эмас. Бу ўринда ишлатилган юнонча сўз Янги Аҳдда сувга чўмдирилиш маросимига ишора сифатида асло ишлатилмаган. Исо Масиҳга ишонган баъзи яҳудийлар имонининг ифодаси сифатида баъзи Эски Аҳд қоидаларига риоя қилган бўлишлари мумкин.

6:14 Ибтидо 22:17 га қаранг.

6:19 *самовий Чодир* — бу ўринда Худонинг самовий макони Эски Аҳддаги Муқаддас чодирга ўхшатиб тасвирланган (8:5, 9:24 га қаранг). Муқаддас чодирда Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан бир парда ажратиб турарди. Худо Ўз халқига, Мен Энг муқаддас хонада истиқомат қиламан, деб айтган эди. Энг муқаддас хонага фақатгина олий руҳоний бир йилда бир марта кириши мумкин эди. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига қаранг.

6:20 *Маликсидиқ* — 5:5-6 оятларга ва 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:1 *Маликсидиқ* — 5:5-6 оятларга ва 5:6 нинг биринчи изоҳига қаранг.

7:1 *Салим* — Қуддуснинг қадимги номи.

7:5 *Леви наслидан бўлган руҳонийлар* — Худо Леви қабиласидан бир оилани, яъни Ҳоруннинг авлодини Исроил халқининг руҳонийлари қилиб танлади (Чиқиш 28:1, 29:1-9 га қаранг). Улар леви руҳонийлари деб ҳам аталади.

7:5 *ушр* — ҳар қандай даромаднинг ўндан бир қисми. Исроил халқи ушрни

Маъбадга олиб келиб, руҳонийларнинг кундалик рўзғорини таъминлаб турарди. Левилар 27:30-33, Саҳрода 18:21, Қонунлар 14:22-29, 26:12-13 га қаранг.

7:11 *...Ҳоруннинг насабидан...* — шу бобнинг 5–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг.

7:11 *Маликсидиққа ўхшаган бошқа бир руҳоний* — яъни Исо Масиҳ (5:5-6 га қаранг).

7:16 *насл–насабга доир қоидалар* — Таврот қонунига кўра, руҳонийлар Леви қабиласига мансуб Ҳорун авлодидан бўлиши шарт эди (шу бобнинг 5–оятига берилган биринчи изоҳга қаранг).

7:17 Забур 109:4 га қаранг.

7:22 *...Худо Исо орқали бизни аълороқ бир аҳдга эриштирди, Исонинг Ўзи бунга кафилдир* — 8:6 га қаранг. Муаллиф буни 8-10–бобларда батафсил тушунтириб беради.

7:28 *Худонинг онт ичиб берган ваъдаси* — Забур 109:4 да баён этилган онтга ишора қилинган (шу бобнинг 20-21–оятларига қаранг). Мусога Тавротни бергандан анча вақт ўтгандан кейин Худо бу онтни ичган.

8:1 *...Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди* — 1:3 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

8:2 *самодаги ҳақиқий Чодир* — 6:19 изоҳига қаранг.

8:5 Чиқиш 25:40 га қаранг.

8:6 *аввалги аҳд* — Мусога Синай тоғида берилган қонун–қоидалар назарда тутилган.

8:8-12 Еремиё 31:31-34 га қаранг.

9:1 *аввалги аҳд* — 8:6 изоҳига қаранг.

9:2 *Чодир* — луғатдаги МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига қаранг.

9:4 *манна* — Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин то Канъон юртига киргунча, Худо уларга етказиб турган махсус егулик. Манна, Шаббат кунидан ташқари, ҳар куни кечаси ерга ёғиларди, одамлар саҳарда туриб, уни йиғиб олишарди (Чиқиш 16:13-35, Ёшуа 5:12 га қаранг).

9:4 *Аҳд сандиғи ичида...бор эди* — Чиқиш 16:33-34, Саҳрода 17:1-11, Қонунлар 10:1-5 га қаранг.

9:5 *карублар* — самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги КАРУБ, КАРУБЛАР сўзига қаранг.

9:8 *самодаги Энг муқаддас хона* — 6:19 изоҳига қаранг.

9:11 *келган* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *бўлғуси*.

9:11 *самодаги мукаммал Чодир* — 6:19 изоҳига қаранг.

9:13 *такалару буқаларнинг қони* — Левилар 16:1-34 га қаранг.

9:13 *куйдирилган ғунажиннинг кули* — Саҳрода 19:1-22 га қаранг.

9:15 *янги аҳд* — 8:6-13 га қаранг.

9:17 *...васият ўлимдан кейингина кучга киради* — шу сингари, Мусо даврида Худонинг Ўз халқи билан тузган аҳди ҳам қурбонлик келтирилгандан кейингина кучга кирарди (Чиқиш 24:3-8 га қаранг). Худди шунингдек, Исо Масиҳ хочдаги ўлими орқали абадий янги аҳдни кучга киритди (13:20 га ва 1 Коринфликлар

11:25 га қаранг).

9:18 *...тўкилган қон орқали...* — яъни қурбонлик орқали.

9:19 *иссоп* — бу ўсимликдан кўпинча поклаш маросимларида одамларга ё нарсаларга сув ёки қон сепиш учун ишлатилган (Чиқиш 12:21-23, Левилар 14:1-7 ва Саҳрода 19:1-19 га қаранг).

9:20 Чиқиш 24:8 га қаранг.

10:5-6 *Гуноҳ қурбонлиги* — бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган қурбонлиги. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ҚУРБОНЛИК сўзи остида берилган ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ иборасига қаранг.

10:5-7 Муаллиф бу ўринда Забур 39:7-9 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

10:9 *аввалги аҳд* — 8:6 изоҳига қаранг.

10:9 *янги аҳд* — 8:6-13 га қаранг.

10:12 *...Худонинг ўнг томонида ўтирди* — Забур 109:1 га қаранг. Ўнг томон мурувват ва барака ўрни деб ҳисобланган.

10:16-17 Еремиё 31:33-34 га қаранг.

10:22 *...Масиҳ Ўз қони билан қалбларимизни тозалаб, виждонимизни қийнаган ҳамма гуноҳлардан поклади* — 9:13-14 оятларга ва 9:13 нинг изоҳларига қаранг.

10:22 *Баданимиз ҳам тоза сув билан ювилди* — рамзий маънони ифодалаб, сувга чўмдириш маросимига ишора қилади (1 Бутрус 3:21, Римликлар 6:4 га қаранг). Муаллиф Ҳизқиёл 36:25-26 ни ҳам назарда тутган бўлиши мумкин.

10:30 *Мен қасос оламан, жазосини бераман* — бу ўринда муаллиф Қонунлар 32:35 ни назарда тутган. Қонунлар китобида бу сўзлар Исроил халқининг душманларига қарата айтилган. Бу ўринда эса муаллиф мазкур сўзлар билан Худонинг халқини огоҳлантиряпти.

10:30 *Мен Ўз халқимни ҳукм этаман* — бу ўринда муаллиф Қонунлар 32:36 ни назарда тутган. Ўша оятдаги ибронийча феъл *оқлаш* ёки *ҳукм қилиш* маъноларини билдиради. Қонунлар китобида бу сўзлар Исроил халқига таскин бериш учун айтилган, аммо бу ўринда муаллиф шу сўзлар билан Худонинг халқини огоҳлантиряпти.

10:37 *...Муқаддас битикларда айтилгандай...* — бу ўринда муаллиф Хабаққуқ 2:3-4 ни назарда тутган.

11:4 *Ҳобил* — Ибтидо 4:3-10 га қаранг.

11:5 *Ханўх* — Ибтидо 5:21-24 га қаранг. Шарқ ёзма адабиётида Ханўх Идрис пайғамбар деб эътироф этилган.

11:7 *Нуҳ* — Ибтидо 6:9-22 га қаранг.

11:8 *Иброҳим* — Ибтидо 12:1-8 га қаранг.

11:11 *Ўзи қариб кетган...Иброҳим имони туфайли фарзанд кўрди* — ёки *Бепушт ва қари бўлса ҳам, Сора имони туфайли фарзанд кўрди*. Ибтидо 18:10-14, 21:1-3 га қаранг.

11:17-18 *Худо Иброҳимни синовдан ўтказаётганда...* — Ибтидо 22:1-14 га қаранг.

11:17-18 Ибтидо 21:12 га қаранг.

11:20 *Исҳоқ* — Ибтидо 27:1-40 га қаранг.

11:21 *Ёқуб* — Ибтидо 48:1-20 га қаранг.

11:21 *У...Худога сажда қилди* — Ибтидо 47:29-31 га қаранг.

11:22 *Юсуф* — Ибтидо 50:24-25 га қаранг.

11:23 *Мусонинг ота–онаси* — Чиқиш 2:1-2 га қаранг.

11:24 *Мусо* — Чиқиш 2:10-15 га қаранг.

11:28 *Фисиҳ* — Чиқиш 12:21-28 га қаранг.

11:28 *кесакилари* — эшик ўрнатилган чорчўплар.

11:29 *Қизил денгиз* — Чиқиш 14:5-31 га қаранг.

11:30 *Ерихо шаҳри* — Ёшуа 6:12-21 га қаранг.

11:31 *Раҳоба* — Ёшуа 2:1-21, 6:22-24 га қаранг.

11:32 *Гидўн, Барақ, Шимшўн, Йифтох, Довуд, Шомуил* — Гидўн (Ҳакамлар 6:1-8:35 га қаранг), Барақ (Ҳакамлар 4:1-24 га қаранг), Шимшўн (Ҳакамлар 13:1-16:31 га қаранг), Йифтох (Ҳакамлар 11:1-12:7 га қаранг), Довуд (1 Шоҳлар 16:1 дан 3 Шоҳлар 2:12 гача қаранг), Шомуил (1 Шоҳлар 1-4, 7-13, 15-16, 19–бобларга қаранг).

11:33 *Шерлар* — Ҳакамлар 14:6, 1 Шоҳлар 17:34-35, Дониёр 6:13-23 га қаранг.

11:34 *олов* — Дониёр 3:13-27 га қаранг.

11:35 *Аёллар* — 3 Шоҳлар 17:17-24, 4 Шоҳлар 4:17-37 га қаранг.

11:37 *Уларни тошбўрон қилдилар...* — 2 Солномалар 24:20-22, Матто 23:37 га қаранг. Анъанага кўра Еремиё пайғамбар Мисрда тошбўрон қилиб, ўлдирилган.

11:37 *...таналарини арралаб иккига бўлдилар...* — анъанага кўра Ишаё пайғамбар Яҳудо шоҳи Манаше томонидан ана шундай ўлим жазосига тортилган.

12:2 *шармандали ўлим* — Исо Масиҳнинг яланғоч ҳолда хочда ўлдирилганига ишора. Одатда жиноятчилар шу тарзда ўлдириларди (Филиппиликлар 2:7-8 га қаранг). Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХОЧ сўзига қаранг. Яҳудийлар ёғочга осилган одамни Худо лаънатлаган деб ҳисоблашарди (Қонунлар 21:23, Галатияликлар 3:13 га қаранг).

12:2 *...Худо тахтининг ўнг томонида ўтирибди* — 1:3 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

12:5-6 Муаллиф бу ўринда Ҳикматлар 3:11-12 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

12:13 *...тўғри йўлни танлаб юринг* — Ҳикматлар 4:26 га қаранг.

12:16 *Эсов* — Ибтидо 25:29-34, 27:30-40 га қаранг.

12:16 *ахлоқи бузуқ* — Эсов ўзининг тўнғичлик ҳуқуқини таом эвазига сотганига ишора бўлиши мумкин. Бу қилмиши билан Эсов ўзини башарий ҳирсларини қондириш орқали обрўсини тўккан фоҳишабоз эркакка тенг қилиб қўйган. *Ахлоқи бузуқ* ибораси Эсовнинг ота–онасини ранжитиб, ажнабий аёлларга уйланганига ҳам ишора қилаётган бўлиши мумкин (Ибтидо 26:34-35 га қаранг).

12:17 *...воз кечган меросини қайтариб олишга асло имкон йўқ эди* — Эсовнинг ҳаётида бўлиб ўтган воқеа ва унинг хулқ–атвори ўқувчилар учун кучли бир огоҳлантириш бўлиб хизмат қилади. Агар ўқувчилар ҳам узоқни кўзламасдан қарор чиқарсалар, Эсовга ўхшаб улар ҳам бир умр армону афсусларга тўла

бўлишлари мумкин (4:1, 6:4-8, 10:26-31 га қаранг).

12:18 *Синай тоғи* — Чиқиш 19:10-25, 20:18-21 га қаранг.

12:21 *Мусонинг ўзи…деганди* — бу ўринда муаллиф Қонунлар 9:19 ни назарда тутган.

12:22 *Сион тоғи* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг. Бу ўринда Худонинг самовий маконига ишора қилинган.

12:24 *янги аҳд* — 8:6-13 га қаранг.

12:24 *Ҳобилнинг қони* — Ибтидо 4:8-10 га қаранг.

12:24 *Унинг қони…гуноҳларимизни ювиш учун тўкилган* — 9:11-15, 10:19-22 га қаранг.

12:26 *…ерни ларзага солган эди* — Чиқиш 19:18-20, Забур 67:8-9 га қаранг.

12:26 *…У шундай демоқда…* — бу ўринда муаллиф Хаггей 2:6 ни назарда тутган.

12:29 *…Худойимиз ямламай ютадиган оловдир* — Қонунлар 4:24 га қаранг.

13:2 *баъзи одамлар* — мисол учун, Иброҳим (Ибтидо 18:1-33 га қаранг), Лут (Ибтидо 19:1-17 га қаранг), Гидўн (Ҳакамлар 6:11-22 га қаранг), Монувах (Ҳакамлар 13:2-21 га қаранг) назарда тутилган.

13:5 *Худо…деб айтган* — бу ўринда муаллиф Қонунлар 31:6, Ёшуа 1:5 ни назарда тутган.

13:6 Муаллиф бу ўринда Забур 117:6 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган.

13:10 *…ҳақиқий қурбонгоҳ…Ердаги қурбонгоҳ…* — мажозий маънода янги аҳдга ва аввалги аҳдга (яъни Синай тоғида Мусога берилган қонун–қоидаларга) ишора қилинган (8:6-9:15 га қаранг).

13:11 *Илгарилари олий руҳоний…куйдирарди* — бу оятда муаллиф Покланиш кунида олий руҳоний қиладиган ишларни назарда тутган (Левилар 16:1-34 га қаранг).

13:12 *шаҳар* — яъни Қуддус шаҳри.

13:20 *Исо Ўз қони билан абадий аҳдни муҳрлагани учун…* — 9:15-18 оятларга ва 9:18 изоҳига қаранг.

13:20 *Чўпон* — Юҳанно 10:11-16 га қаранг.

13:23 *Тимўтий* — илк жамоатнинг етакчиси бўлиб, ҳаворий Павлуснинг ҳамкори (Ҳаворийлар 16:1-3, Филиппиликлар 2:20-22 га қаранг).

13:25 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ЮҲАННОГА
АЁН ҚИЛИНГАН
ВАҲИЙ

Кириш

Мазкур китобда Исонинг Юҳаннога кўрсатган ваҳийси баён этилган. Бу ваҳий охирзамон ҳақидадир. Юҳанно ваҳий кўрганда, Эгей денгизидаги Патмос оролида сургунда эди. Патмос ороли ҳозирги Туркиядаги Эфес шаҳридан қарийб 100 километр жануби–ғарбда жойлашган.

Ваҳий китобининг асосий моҳияти Худонинг Исо Масиҳ ҳақидаги хабарини аён қилиш ва қаттиқ қувғин остида қолган масиҳийларга умид бахшида этишдан иборат. Юҳанно қувғинга дучор бўлган биродарларни имонда маҳкам туришга ундайди. Уларнинг эътиборини охиратга қаратади. Охиратда Худо шайтон устидан ғалаба қозонади. Исо Масиҳ осмондан тушиб келиб, барча бетавфиқларни ҳукм қилади ва Ўзининг абадий шоҳлигини ўрнатади. Шунда имонда охиригача собит турган биродарлар нажот топишади ва боқий бахтиёрликдан баҳраманд бўлишади. Рим империясининг ваҳший зулми остида қолган масиҳийлар бу китобни ўқиб, Худога содиқ қолишарди.

Ушбу китоб образларга ва ғояларга ниҳоятда бойдир. Улар ёрдамида муаллиф Худонинг беқиёс қудрати ва охиратдаги одилона ҳукмини тасвирлайди. Мисол учун, самодаги тахт, муҳрланган ўрама қоғоз ва Қўзи ҳақидаги ваҳийлар Худонинг ва Исо Масиҳнинг чексиз ҳокимиятини акс эттиради. Етти муҳр, етти карнай ва ғазаб косалари ҳақидаги ваҳийлар эса қиёматда Худонинг ҳукмини ва ер юзига сочадиган қаҳрини тасвирлайди. Етти рақами китобда бир неча бор ишлатилган бўлиб, баркамоллик маъносини ифодалайди.

Китобни мазмун жиҳатдан уч қисмга бўлса бўлади: 1) дунёда ёвуз кучлар мавжуд. Масиҳийлар имон йўлида азоб чекишлари ва ҳатто жонидан маҳрум бўлишлари мумкин. 2) Исо Масиҳ Раббийдир. У Худога қарши бўлган ҳамма одамларни ва кучларни енгади. 3) Худога охиригача содиқ қолган одамлар учун Исо Масиҳ мукофотлар тайёрлаб қўйган. Айниқса, Худони ўз жонидан ҳам ортиқ кўрганларни У юксак даражада тақдирлайди.

1–БОБ

Муқаддима ва дуойи салом

1 Мазкур китобда Исо Масиҳнинг ваҳийси баён этилган. Яқин орада юз берадиган ҳодисаларни Худо Ўз қулларига аён қилиш учун бу ваҳийни Исо Масиҳга берди. Исо Масиҳ қули Юҳаннонинг олдига Ўз фариштасини юбориб, ушбу ваҳийни кўрсатди. 2 Юҳанно Худонинг каломи ва Исо Масиҳнинг шаҳодати тўғрисида нималарни кўрган бўлса, ҳаммаси ҳақида гувоҳлик бермоқда. 3 Ушбу башорат сўзларини овоз чиқариб ўқиётган одам бахтлидир. Уни тинглаб*, китобда ёзилганларга амал қилувчилар бахтлидир. Ахир, бу ҳодисалар ҳадемай юз беради.

4-5 Асия вилоятидаги имонлиларнинг еттита жамоатига* Юҳаннодан салом! Азалдан бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бор бўладиган Худодан, Унинг тахти олдида турган етти руҳдан, шунингдек, ўликлар ичидан биринчи бўлиб тирилган, ер юзи шоҳларининг Ҳукмдори бўлган ишончли шоҳид — Исо

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Масиҳдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

Исо Масиҳ бизни севади. У Ўз қонини тўкиб, бизни гуноҳларимиздан халос этди. 6 У биздан Шоҳлик яратди, бизни Отаси* Худога хизмат қиладиган руҳонийлар қилиб тайинлади. Қудрат Соҳиби бўлган Масиҳга абадулабад шон–шарафлар бўлсин! Омин.

7 Ана, У булутларда келяпти!
Ҳар бир кўз Уни кўради,
Ҳатто Унга найза санчганлар ҳам Унга кўз тикади.
Дунёнинг жамики қабилалари Уни деб йиғлайди.
Дарҳақиқат, ҳаммаси айтилгандай бўлади! Омин.

8 “Мен Ибтидо ва Интиҳодирман*, — деб айтмоқда Эгамиз Худо. — Мен олдин бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бор бўладиган Қодир Худодирман.”

Юҳанно ваҳийда Масиҳни кўради

9 Мен биродарингиз Юҳанноман. Исонинг азоблари, Унинг Шоҳлиги ва сабр–тоқатини баҳам кўрган шеригингизман. Мен Худонинг каломини ваъз қилиб, Исо ҳақида гувоҳлик берганим учун Патмос оролига* сургун қилинганман. 10 Якшанба куни* Муқаддас Руҳ мени қамраб олди. Мен орқамдан карнай садосига ўхшаш кучли бир овозни эшитдим. Овоз шундай деди*: 11 “Кўрганларингни китобга ёзиб бор. Сўнг уни Эфес, Смирна*, Пергамон, Тиятира, Сардис, Филаделфия ва Лаодикия шаҳарларидаги имонлиларнинг еттита жамоатига юбор.”

12 Менга гапираётган Кимсани кўриш учун ўгирилдим. Шунда еттита олтин чироқпояни кўрдим. 13 Чироқпоялар орасида инсон қиёфасидаги бир Зот* турган эди. Унинг устида узун, тўпиғигача тушган ридо бор эди, кўксига олтин тасма боғланган эди. 14 Сочи момиқдай оқ, қордай оппоқ эди. Кўзлари эса оловдай чақнарди. 15 Унинг оёқлари ўчоқда қиздирилган бронзадай ярқирар, овози гувиллаган денгиз товушига ўхшарди. 16 Ўнг қўлида еттита юлдуз бор эди, оғзидан ўткир дудама қилич чиқиб турарди. Унинг юзи кун қизиганда балқийдиган қуёшдай порларди.

17 Уни кўришим биланоқ, оёқлари остига ўликдай йиқилдим. У эса ўнг қўлини устимга қўйиб, шундай деди: “Қўрқма! Мен Биринчи ва Охиргиман. 18 Барҳаётман. Ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Ўлимнинг ва ўликлар диёрининг* калитлари Мендадир. 19 Шундай экан, сен олдин кўрганларингни, ҳозир кўраётганларингни ва бундан кейин кўрадиганларингнинг ҳаммасини ёзиб бор. 20 Сен ўнг қўлимда кўрган еттита юлдуз ва еттита олтин чироқпоянинг сирига келсак, етти юлдуз — етти жамоатнинг фаришталарини*, етти чироқпоя эса етти жамоатни билдиради.”

2–БОБ

Эфес шаҳридаги имонлилар жамоатига

1 “Эфесдаги имонлилар жамоатининг фаришгасига* ёз:

Етти юлдузни ўнг қўлида тутгувчи, еттита олтин чироқпоя орасида юрувчи Зот шундай демоқда: 2 сенинг ишларингни, меҳнатингни, бардошингни биламан, бадкирдорларга тоқат қилмаслигингни ҳам биламан. Ҳаворий бўлмаган ҳолда ўзларини ҳаворий деб айтганларни сен синадинг, уларнинг ёлғонини фош

қилдинг. 3 Ҳа, бардошлисан. Менинг номим учун кўп қийинчиликларни бошдан
кечириб, ҳолдан тоймадинг. 4 Бироқ сенга бир эътирозим бор: сен Менга бўлган
илк севгингни унутдинг. 5 Эслагин ахир, илк севги билан яшаганингда қанчалар
юксакда эдинг! Энди эса тавба қил, аввалги ишларингга қайт. Тавба қилмасанг
олдингга бориб, чироқпоянгни ўз жойидан олиб ташлайман. 6 Ҳа, сенда яна бир
яхши фазилат бор: сен николасчиларнинг* ишларидан нафратланасан. Мен ҳам
улардан нафратланаман.
7 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини
эшитсин. Ғолиб келганларга Худонинг жаннатидаги ҳаёт дарахти* мевасидан
ейишни насиб этаман.”

Смирна шаҳридаги имонлилар жамоатига

8 “Смирнадаги* имонлилар жамоатининг фариштасига ёз:

Ўлиб тирилган, Биринчи ва Охирги бўлган Зот шундай демоқда: 9 чеккан
азобларингни*, камбағаллигингни биламан. Аслида эса бойсан! Ўзини Худонинг
халқи деб атаганлар сени қанчалар ҳақоратлаганини ҳам биламан. Улар Худонинг
халқи эмас*, балки шайтон тўдасидир. 10 Бошингга тушадиган азоб–уқубатлардан
қўрқма! Билгинки, иблис сизларни синаш учун орангиздан баъзиларни зиндонга
ташлайди, ўн кун* давомида азоб чекасизлар. Ўлим хавфи остида бўлганингда
ҳам содиқ қол, шунда Мен сенга ҳаёт тожини бераман.
11 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини
эшитсин. Ғолиб келганлар иккинчи ўлимдан* ҳеч қандай зарар кўрмайдилар.”

Пергамон шаҳридаги имонлилар жамоатига

12 “Пергамондаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз:

Ўткир дудама қилич Соҳиби шундай демоқда: 13 қаерда яшаётганингни*
биламан. Шаҳрингда шайтоннинг тахти жойлашган*. Шундай бўлса–да, сен
Менинг номимга қаттиқ боғландинг. Шайтон яшаётган ўша шаҳрингда содиқ
шоҳидим Антипас* ўлдирилганда ҳам, сен Менга бўлган имонингдан қайтмадинг.
14 Лекин сенга бир оз эътирозим бор: орангизда Балом таълимотига риоя
қилувчилар бор. Балом* Исроил халқини йўлдан оздириш йўлини Болоққа
ўргатганди. Болоқ эса Исроил халқини бутларга келтирилган қурбонлик гўштини
ейишга ва фаҳш–зинога ундаганди. 15 Шунингдек, орангизда николасчилар*
таълимотига эргашувчилар ҳам бор. 16 Энди тавба қил! Акс ҳолда, Мен зудлик
билан олдингга бориб, оғзимдаги қилич билан ўшаларга қарши жанг қиламан.
17 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини
эшитсин. Ғолибга Мен пинҳон сақланган маннани* бераман. Унга оқ тошни* ҳам
бераман. Бу тошнинг устига янги бир исм ёзилган, тошни олган кишидан бошқа
ҳеч ким у исмни билмайди.”

Тиятира шаҳридаги имонлилар жамоатига

18 “Тиятирадаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз:

Кўзлари оташ алангасидай чақноқ, оёқлари қиздирилган бронзадай ярқироқ
Худонинг Ўғли шундай демоқда: 19 сенинг ишларинг, севгинг, имонинг, хизматинг
ва бардошингни биламан. Ҳозирда олдингидан ҳам кўпроқ иш қилаётганингни
биламан. 20 Лекин сенга бир эътирозим бор: сен Изабел* деган бўлмағур аёлга
тоқат қилиб юрибсан. У ўзини пайғамбар деб, таълимоти билан қулларимни
йўлдан оздиряпти. Уларни фаҳш–зино қилишга ва бутларга келтирилган
қурбонлик гўштини ейишга ундаяпти. 21 Фаҳш–зинодан тавба қилиши учун унга

муҳлат бердим, аммо у тавба қилишдан бош тортяпти. 22 Шундай экан, Мен уни
хаста қилиб, тўшакка ётқизиб қўяман. У билан бирга фаҳш–зино қилганларни
ҳам, борди–ю, унинг йўлидан қайтмасалар, қаттиқ азоб–уқубатларга дучор
қиламан. 23 Унинг издошларини* ўлдираман. Онгларни ва юракларни билгувчи
Мен эканлигимни шунда ҳамма жамоатлар билиб оладилар. Мен орангиздаги ҳар
бир кишини ўз қилмишига яраша жазолайман.
24 Тиятирадаги баъзиларингиз Изабелнинг бу таълимотига эргашмадингиз.
Сизлар «шайтоннинг сирлари»* деб аталган нарсалардан бехабарсизлар.
Сизларга шундан бошқа ҳеч нарса юкламайман: 25 фақат Мен келгунимга қадар,
имонингизда қаттиқ туринглар, дейман. 26 Ғолиб келганларга ва охиригача
Менинг иродамни бажарганларга халқлар устидан ҳокимият бераман. 27 Улар
халқларни темир хивчин ила бошқаришади. Сопол кўзани синдиргандай
халқларни парчалашади*. Отам Худо Менга ато қилган бу ҳокимият уларда
бўлади. 28 Мен уларга тонг юлдузини* ҳам бераман.
29 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини
эшитсин.”

3–БОБ

Сардис шаҳридаги имонлилар жамоатига

1 “Сардисдаги имонлилар жамоатининг фариштасига* ёз:

Худога хизмат қиладиган етти руҳни Бошқарувчи, қўлида етти юлдузни
Тутгувчи шундай демоқда: сенинг ишларингни биламан. Сени тирик дейишади,
аммо ўликсан. 2 Сенинг ишларинг Худойим назарида тугал эмаслигини билдим.
Уйғон! Жамоатинг нобуд бўлмоқда. Имонини сақлаб қолганларга* қўшилиб,
жамоатингни мустаҳкамла. 3 Нимани эшитиб ўрганган бўлсанг эслагин. Ўшаларга
риоя қилгин. Гуноҳларингдан тавба этгин. Агар уйғонмасанг, Мен устингга
ўғридай бостириб келаман. Сен эса қайси соатда келишимни билмайсан. 4 Бироқ
Сардисда ўз кийимларини булғамаган бир неча одамларинг қолган. Улар Мен
билан бирга оқ кийимда юрадилар, улар бунга лойиқдирлар. 5 Ғолиб келганлар
улар сингари, шундай оқ кийим киядилар. Мен уларнинг номларини ҳаёт
китобидан* ўчирмайман, Отам Худо ва Унинг фаришталари олдида номларини
тан оламан.
6 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини
эшитсин.”

Филаделфия шаҳридаги имонлилар жамоатига

7 “Филаделфиядаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз:

Шоҳ Довуднинг калити* муқаддас ва ҳақ Зотдадир. У эшикни очганда, уни ҳеч
ким бекита олмайди. У бекитганда, ҳеч ким очолмайди. Ўша Зот шундай демоқда:
8 сенинг ишларингни биламан. Мана, олдингда бир эшик очдим, уни ҳеч ким
бекита олмайди. Кучинг камлигини Мен биламан. Шунга қарамай, сен сўзимга
риоя қилдинг, Мендан тонмадинг. 9 Шайтон тўдасидан бўлганларни нима
қилишимни ўзинг кўрасан. Улар ўзларини Худонинг халқи деб атайдилар, аммо
гаплари ёлғон, улар Худонинг халқи эмаслар*. Мен уларни шундай кўйга
соламанки, келиб сенинг оёғингга йиқиладилар. Мен сени қанчалик севганимни
билиб оладилар. 10 Сен Менинг сабрли бўлиш ҳақидаги амримга итоат этдинг.
Шундай экан, ер юзида яшовчиларни синаш учун юбориладиган кулфат вақтидан

Мен сени асрайман. 11 Мен тезда келаман. Имонингда маҳкам тур, токи ҳеч ким тожингни тортиб олмасин. 12 Ғолиб келганларни Мен Худойимнинг Маъбадида устун қиламан. Шунда улар зинҳор Маъбадни тарк этмайдилар. Уларнинг пешаналарига Мен Худойимнинг номини ва Худойимга қарашли шаҳарнинг номини ёзаман. Бу шаҳар — Худойим самодан юборадиган янги Қуддусдир. Ғолибнинг пешанасига Мен Ўзимнинг янги номимни ҳам ёзаман.
13 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини эшитсин.”

Лаодикия шаҳридаги имонлилар жамоатига

14 “Лаодикиядаги имонлилар жамоатининг фариштасига ёз:

Ишончли ва ҳақ Шоҳид, Худо яратган борлиқнинг Асосчиси*, Омин* деб ном олган Зот шундай демоқда: 15 сенинг ишларингни биламан, сен на совуқ ва на иссиқсан*. Эҳ, қанийди, ё совуқ, ё иссиқ бўлсанг! 16 Сен иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас, балки илиқ бўлганинг учун Мен сени қусиб юбораман. 17 Сен: «Бойман, ўзимга тўқман, ҳеч нарсадан кам–кўстим йўқ», — дейсан. Аслида эса аянчли, ачинарли аҳволда эканингни, қашшоқ, кўр ва яланғоч эканингни билмайсан! 18 Сенга маслаҳат бераман: бойишинг учун Мендан оловда тобланган олтинни сотиб ол. Шармандали яланғочлигингни ёпиш учун эгнингга оқ кийим, кўришинг учун кўзларингга суртадиган малҳамни Мендан сотиб ол*. 19 Мен кимни севсам, айбини кўрсатаман, тарбиялайман. Шундай экан, шижоатли бўл, гуноҳларинг учун тавба қил.
20 Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен ўшанинг олдига кираман. Мен у билан ва у Мен билан овқатни баҳам кўрамиз. 21 Ғолиб келганларни Мен ёнимда, тахтимда ўтиришга ҳақли қиламан. Зотан, Мен ҳам ғолиб келганимда Отам Худо билан бирга Унинг тахтида ўтирдим.
22 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини эшитсин.”

4–БОБ

Самодаги сажда

1 Шундан кейин мен осмонда ланг очиқ бир эшикни кўрдим. Илгари менга гапирган карнай садосига ўхшаш ўша овоз яна эшитилди. У шундай деди: “Бу ёққа чиқ, бундан кейин нима юз беришини сенга кўрсатаман.”
2 Шу пайт Муқаддас Руҳ мени қамраб олди. Мен самода турган бир тахтни кўрдим, унда бир Зот ўтирар эди. 3 Ўтирган Зотнинг қиёфаси қимматбаҳо яшма ва лаъл тошларидай ярқирарди. Тахт атрофида зумрад тусидаги камалак жилваланарди. 4 Тахтнинг теварагида яна йигирма тўртта тахт турарди. Бу тахтларда оқ кийим кийган, бошларида олтин тожлари бўлган йигирма тўрт нафар оқсоқол ўтирар эди. 5 Тахтдан чақмоқ чақарди, момақалдироқнинг гулдурос садоси келарди. Тахт олдида Худонинг етти руҳи бўлган еттита машъала ёниб турарди. 6 Тахтнинг олдида ойна сингари денгизга ўхшаш, биллурдай тиниқ бир нарса бор эди.
Тахтнинг атрофида тўртта жонли мавжудот турар эди, уларнинг олди ва орқаси кўзлар билан қопланган эди. 7 Биринчи мавжудот шерга, иккинчиси буқага ўхшар эди, учинчи мавжудотнинг юзи одамнинг юзига, тўртинчиси эса учаётган бургутга ўхшар эди. 8 Бу тўртта мавжудотнинг ҳар бирида олтитадан

қанот бор эди. Уларнинг ҳамма ёғи кўзлар билан қопланган эди, ҳатто қанотларининг тагида ҳам кўзлари бор эди. Улар кечаю кундуз тинмай шундай сўзларни такрорлар эдилар:

“Муқаддасдир, муқаддасдир,
Муқаддасдир Қодир Худо — Эгамиз.
У бор бўлган, ҳозир ҳам бор,
Келажакда ҳам бор бўлар!”

9 Мавжудотлар тахтда Ўтирганни, то абад барҳаёт Зотни улуғлашарди,
иззат–икром кўрсатиб, шукроналар айтишарди. 10 Шунда йигирма тўрт нафар
оқсоқол тахтдаги то абад барҳаёт Зот олдида ерга мук тушиб, сажда қилишарди.
Тожларини тахт олдига қўйиб, шундай дейишарди:

11 “Ё Эгамиз, ё Худойимиз!
Сен қудратлисан!
Улуғворлигу иззатга Сен лойиқсан!
Зеро, бутун борлиқни Сен яратгансан,
Ҳамма нарса Сенинг ироданг ила вужудга келди, яратилди.”

5–БОБ

Муҳрланган ўрама қоғоз ва Қўзи

1 Мен тахтда ўтирган Зотнинг ўнг қўлида бир ўрама қоғозни* кўрдим.
Ўрамнинг олди ва орқа томонларида ёзувлари бор бўлиб, у еттита муҳр билан
муҳрланган эди. 2 Сўнг мен кучли бир фариштани кўрдим. У баланд овозда:
“Муҳрларни ечишга, ўрамни очишга ким лойиқ?” деб сўради. 3 Бироқ на осмонда,
на ер юзида, на ер остидаги оламда ўрамни оча оладиган ёки ичига назар сола
оладиган бирон кимса бор эди. 4 Мен аччиқ–аччиқ йиғлай бошладим, чунки
ўрамни очишга, ҳатто унинг ичига назар солишга лойиқ бирон кимса
топилмаганди. 5 Шунда оқсоқоллардан бири менга деди: “Йиғлама! Ана қара,
Яҳудо қабиласидан бўлган Шер — Довуд уруғидан чиққан Зот* ғалаба қозонди. У
ўрамнинг еттита муҳрини ечишга ва ўрамни очишга қодирдир.”
6 Шунда мен тахтнинг олдида, тўртта жонли мавжудот ва оқсоқоллар
қуршовида турган бир Қўзини кўрдим. У гўё бўғизлангандай эди. Қўзининг етти
шохи ва етти кўзи бор эди. Булар Худо бутун ер юзига юборган еттита руҳдир.
7 Қўзи келиб, тахтда ўтирган Зотнинг ўнг қўлидан ўрамни олди. 8 У ўрамни
олганда, тўртта мавжудот ва йигирма тўрт оқсоқол Қўзининг олдида мук
тушишди. Ҳар бирининг қўлида бир арфа ва хушбўй тутатқиларга тўла олтин
косалар бор эди. Хушбўй тутатқилар — Худо азизларининг дуою ибодатлари
демакдир. 9 Улар қуйидагича янги қўшиқ айтишар эди:

“Сен ўрамни олишга,
Унинг муҳрларини ечишга лойиқсан!
Чунки Сен бўғизланган эдинг,
Ўз қонинг эвазига ҳар бир қабила, миллат, элату халқдан
Худо учун одамларни қутқариб олдинг.
10 Улардан Шоҳлик яратдинг,
Уларни Худойимизга хизмат қиладиган
Руҳонийлар қилиб тайинладинг.

Улар ер юзида ҳукм сурадилар.”

11 Кейин мен тахтнинг, мавжудотлар ва оқсоқолларнинг атрофида кўп
фаришталарни кўрдим, уларнинг овозларини эшитдим. Уларнинг саноғига етиб
бўлмас, минг–минглаб, ўн минглаб эдилар. 12 Улар баланд овозда шундай
дердилар:

“Бўғизланган Қўзи ҳамдларга лойиқдир!
Кучу давлат, донолигу қудрат Соҳибига
Шон–шарафлар бўлсин!”

13 Шунда мен еру осмондаги, ер остидаги, денгиздаги жамики жонзотларнинг
овозларини эшитдим. Уларнинг ҳаммаси шундай деб куйлаётган эдилар:

“Тахтда ўтирган Зотга ва Қўзига
Абадулабад ҳамдлар бўлсин!
Бу қудрат Соҳибларига
Абадулабад шон–шарафлар бўлсин!”

14 Тўртта мавжудот: “Омин!” — деди. Оқсоқоллар эса мук тушиб, сажда қилдилар*.

6–БОБ

Муҳрлар

1 Кейин мен Қўзининг етти муҳрдан бирини ечганини кўрдим. Ўша пайтда
тўртта жонли мавжудотдан бири момақалдироққа ўхшаш овоз билан: “Кел!” —
деб айтганини эшитдим. 2 Шунда мен бир оқ отни кўрдим. От устида камони бор
сувори ўтирарди. Унга бир тож берилди. У босқинчи бўлиб, душманларини босиб
олиш учун йўлга чиқди.

3 Қўзи иккинчи муҳрни ечганда, мен иккинчи мавжудотнинг: “Кел!” — деб
айтганини эшитдим. 4 Шу пайт бошқа бир от чиқиб келди. У қип–қизил рангда
эди. Халқлар бир–бирига қирғин келтирсин деб, бу от устидаги суворига дунёни
тинчликдан маҳрум қилиш қудрати берилганди. Унга катта қилич ҳам берилди.

5 Қўзи учинчи муҳрни ечганда, мен учинчи мавжудотнинг: “Кел!” — деб
айтганини эшитдим. Шунда мен қора отни кўрдим. Бу от устидаги суворининг
қўлида тарози бор эди. 6 Мен тўртта мавжудотнинг орасидан чиққан овозга
ўхшаш бир садони эшитдим. Ўша овоз деди: “Одамлар бир кунлик иш ҳақига*
бор–йўғи бир коса буғдой ёки уч коса* арпа сотиб оладиган бўлсин. Аммо зайтун
боғлари ва узумзорларга зарар етказма!”

7 Қўзи тўртинчи муҳрни ечганда, мен тўртинчи мавжудотнинг: “Кел!” деб
айтганини эшитдим. 8 Шунда мен кўкимтир рангдаги бир отни кўрдим. От минган
суворининг номи Ўлим эди. Унинг кетидан Қабр эргашиб келаётган эди. Уларга
дунёнинг тўртдан бир қисми устидан ҳокимият берилганди. Улар ердаги
одамларни қилич, қаҳатчилик, ўлат ва ёввойи ҳайвонлар орқали ўлдиришлари
мумкин эди.

9 Қўзи бешинчи муҳрни ечганда, мен қатл қилинган одамларнинг жонларини
қурбонгоҳ остида кўрдим. Улар Худонинг каломи ва берган шаҳодатларига содиқ
қолганлари учун ўлдирилган эдилар. 10 Улар қаттиқ фарёд қилиб, шундай
дердилар: “Ё Эгамиз, Сен муқаддас ва ҳақдирсан. Сен қачон дунёда
яшаётганларни ҳукм этасан? Қачон улардан ўлимимиз учун қасос оласан?” 11 Бу

жонларнинг ҳар бирига оқ либос берилди. Уларга: “Қисқа бир муддат дам олиб туринглар”, деб айтилди. Бошқа хизматчи биродарлар ҳам улар сингари ўлдирилиб, ўлдирилганларнинг сони белгиланган миқдорга етгунча улар кутиб туришлари керак эди.

12 Қўзи олтинчи муҳрни ечаётганини мен кузатиб турдим. Шунда қаттиқ зилзила рўй берди. Қуёш қора жундай тим қора бўлиб қолди, тўлин ой эса қондай қип–қизил тусга кирди. 13 Осмондаги юлдузлар ерга қулади. Ҳа, кучли шамол дарахтни силкитиб анжирни тўккандай улар ерга тўкилди. 14 Осмон қоғоздай ўралиб, йўқ бўлиб кетди. Ҳар бир тоғ ва орол жойидан силжиб кетди. 15 Дунёнинг шоҳлари, аслзодаларию лашкарбошилари ғорларга ва тоғларнинг қоялари орасига яшириндилар. Улар билан бирга бойлару кучлилар, қулу эркин одамлар яшириндилар. 16 Улар тоғу қояларга шундай деб ёлворар эдилар: “Устимизга қуланг, тахтда ўтирган Зотнинг назаридан ва Қўзининг ғазабидан бизни яширинг! 17 Ахир, Улар ғазабини сочадиган қўрқинчли кун келди! Бу кунга ким бардош бера оларди?!”

7–БОБ

Муҳрланган 144.000 киши

1 Шундан кейин мен ер юзининг тўрт бурчагида турган тўрт нафар фариштани кўрдим. Улар тўрт шамолни тутиб турар эдилар. Шамолнинг эсишига, ерга, денгизга, бирон дарахтга тегишига йўл қўймас эдилар. 2 Сўнгра мен шарқдан келаётган бошқа бир фариштани кўрдим. У барҳаёт Худонинг муҳрини олиб келаётган эди. Еру денгизга зарар етказиш қудрати берилган тўртта фариштага у баланд овозда шундай хитоб қилди: 3 “Ерга, денгизга ва дарахтларга зарар етказмай туринглар. Худойимизнинг қуллари пешаналарига биз муҳр босиб олайлик!”

4 Мен муҳр босилган кишиларнинг сонини эшитдим. Исроил қабилаларининг барчасидан 144.000 кишига муҳр босилган эди:

5 Яҳудо қабиласидан 12.000 киши,
Рубен қабиласидан 12.000,
Гад қабиласидан 12.000,
6 Ошер қабиласидан 12.000,
Нафтали қабиласидан 12.000,
Манаше қабиласидан 12.000,
7 Шимўн қабиласидан 12.000,
Леви қабиласидан 12.000,
Иссахор қабиласидан 12.000,
8 Забулун қабиласидан 12.000,
Юсуф қабиласидан 12.000,
Бенямин қабиласидан 12.000 киши.

Оқ кийимли оломон

9 Шундан кейин мен саноғига етиб бўлмайдиган катта бир оломонни кўрдим. Турли хил халқ, қабила, элату миллатларга мансуб бўлган бу одамлар тахт олдида, Қўзининг ҳузурида туришарди. Ҳаммасининг эгнида оқ либос, қўлларида пальма дарахти шохлари* бор эди. 10 Улар овозлари борича шундай ҳайқиришарди: “Тахтда ўтирган Худойимиз билан Қўзи нажот бериш қудратига эгадирлар!” 11 Ҳамма фаришталар тахт атрофида, оқсоқоллар ва тўртта мавжудот

атрофида турар эдилар. Улар тахт олдида мук тушиб, Худога сажда қилган ҳолда
12 шундай дейишарди:

“Омин!
Худойимизга ҳамду санолар бўлсин!
Донолигу куч–қудрат Соҳибига
Абадулабад шукронаю шон–шарафлар бўлсин!
Омин.”

13 Оқсоқоллардан бири мендан сўради:
— Оқ либос кийган бу одамлар ким? Улар қаердан келганлар?
14 — Тақсир, буниси ўзингизга аён, — дея жавоб бердим мен. У менга шундай деди:
— Булар қаттиқ қувғинлардан ўтиб келганлар. Улар либосларини Қўзининг қони билан ювиб оқартирганлар. 15 Шунинг учун улар Худонинг тахти олдида турадилар ва Унинг Маъбадида кеча–кундуз хизмат қиладилар. Тахтда Ўтирган эса уларни Ўз паноҳида асрайди. 16 Улар энди оч қолмайдилар, чанқамайдилар. Қуёш ҳам, офтоб ҳам уларни урмайди. 17 Зотан, тахт олдида турган Қўзининг Ўзи уларга чўпонлик қилади. Уларни ҳаётбахш сув булоқларига олиб боради. Худо уларнинг кўзидаги ҳар бир томчи ёшни артиб қўяди.

8–БОБ

Еттинчи муҳр

1 Қўзи еттинчи муҳрни ечганда, само ярим соатча сукунатда қолди. 2 Мен Худонинг ҳузурида турган еттита фариштани кўрдим. Уларнинг ҳар бирига биттадан карнай берилди.
3 Бошқа бир фаришта келиб, қурбонгоҳнинг олдида турди. Унинг қўлида олтин оловкурак бор эди. Унга кўп хушбўй тутатқилар берилди. У бу тутатқиларни барча Худо азизларининг ибодатларига қўшиб, тахт олдида турган олтин қурбонгоҳ устида назр қилиши керак эди. 4 Тутатқиларнинг тутуни Худо азизларининг ибодатлари билан бирга фариштанинг қўлидан юқорига — Худонинг ҳузурига кўтарилди. 5 Фаришта оловкуракни олиб, уни қурбонгоҳдаги оташ билан тўлдирди–да, ер юзига улоқтириб юборди. Ўшанда момақалдироқнинг гулдурос садоси янграб, чақмоқ чақди, зилзила бошланди.

Охирзамон карнайлари

6 Еттита фаришта қўлларидаги карнайларни чалишга тайёрландилар.
7 Биринчи фаришта карнайини чалди. Шунда дўл, олов ва қон ер юзига ёғдирилди. Ернинг учдан бир қисми ёниб кетди, дарахтларнинг учдан бири ва ҳамма ўт–ўланлар куйиб кетди.
8 Иккинчи фаришта карнайини чалди. Шунда ловуллаб ёнаётган улкан тоққа ўхшаш бир нарса денгизга отилди. Денгизнинг учдан бир қисми қонга айланди.
9 Денгиздаги жонзотларнинг учдан бир қисми ўлди, кемаларнинг учдан бир қисми ҳалокатга учради.
10 Учинчи фаришта карнайини чалди. Шунда осмондан улкан бир юлдуз тушди. Машъала бўлиб ёнаётган бу юлдуз дарёларнинг учдан бир қисмига ва сув булоқларига тушди. 11 Бу юлдузнинг номи Эрман* эди. Сувларнинг учдан бир қисми аччиқ бўлди. Аччиқ сувдан кўп одамлар ўлди.
12 Тўртинчи фаришта карнайини чалди. Қуёшнинг учдан бир қисми, ойнинг ва

юлдузларнинг учдан бир қисми зарба еб, қоронғилашди. Натижада кундузнинг ҳам, туннинг ҳам учдан бир қисми ёруғликдан маҳрум бўлди.

13 Кейин мен бошим узра учиб кетаётган бир бургутни* кўрдим. У баланд овозда шундай деганини эшитдим: “Ер юзида яшаётганларнинг ҳолига вой! Ҳолига вой! Ҳолига вой! Ахир, қолган учта фариштa ҳозир карнайларини чалишади.”

9–БОБ

Бешинчи карнай: жаҳаннам қаъридан чиққан чигирткалар

1 Бешинчи фариштa карнайини чалди. Шунда мен осмондан ерга тушган бир юлдузни* кўрдим. Унга жаҳаннам қаърининг калити берилган эди. 2 У жаҳаннам қаърини очди. Улкан ўчоқдан чиқаётгандай, жаҳаннам қаъридан тутун бурқираб чиқди. Бу тутундан қуёш ва ҳаво қоронғилашиб кетди. 3 Тутундан чигирткалар* чиқиб, ер юзига тарқалди. Уларга ердаги чаёнларнинг кучига ўхшаш бир куч берилган эди. 4 Чигирткаларга: “Ер юзидаги ўт–ўланларга, бирорта ўсимлик ёки дарахтга тегманглар”, деб айтилган эди. Улар фақат пешаналарида Худонинг муҳри* бўлмаган одамларга зарар етказишлари мумкин эди. 5 Одамларни ўлдириш чигирткаларга ман этилганди. Улар одамларга беш ой давомида азоб беришлари керак эди. Бу азоб чаён чаққандаги азобга ўхшарди. 6 Ўша беш ой давомида одамлар ўлим излайдилар, аммо тополмайдилар. Ўлимни орзу қиладилар, аммо ўлим улардан қочади.

7 Чигирткаларнинг кўриниши жангга шайланган отларга ўхшар эди. Уларнинг бошида олтин тожга ўхшаган нарсалар бор, юзлари эса одамсимон эди. 8 Сочлари аёлларнинг сочига, тишлари эса арслон тишига ўхшар эди. 9 Кўкраклари темир совутдай эди. Қанотларининг товуши эса урушга елиб бораётган тумонат жанг аравларининг товушини эслатарди. 10 Чаёнларникига ўхшаш думлари ва нишлари бор эди. Инсонларга беш ой давомида зарар етказиш учун олган куч–қудрати ўша думларида эди. 11 Уларга жаҳаннам қаърининг фариштаси ҳукмронлик қиларди. Бу фариштанинг оти иброний чада Абаддўн, юнончада Аполлион, яъни “ҳалок қилувчи” демакдир.

12 Биринчи ҳалокат ўтди, бундан кейин яна иккита ҳалокат бор.

Олтинчи карнай: отлиқ қўшинлар

13 Олтинчи фариштa карнайини чалди. Шунда мен Худо ҳузуридаги олтин қурбонгоҳнинг тўртта шохи* томонидан келаётган бир овозни эшитдим. 14 Бу овоз карнай тутган олтинчи фариштага шундай деди: “Буюк Фурот дарёси бўйида боғлаб қўйилган тўрт фариштани ечиб юбор!”

15 Бу тўртта фариштa ўша соат, ўша кун, ўша ой ва ўша йил учун сақлаб келинган эди. Улар инсониятнинг учдан бир қисмини қириб ташлаш учун бўшатилди. 16 Улар икки юз миллионлик отлиқ қўшинни бошқаришарди, мен уларнинг сонини эшитдим. 17 Мен кўрган ваҳийдаги отлар билан суворилларнинг кўриниши қуйидагича эди: суворилларнинг совутлари оловдай қизил, тўқ кўк ва олтингугуртдай сариқ рангда эди. Отларнинг боши арслон бошига ўхшар, оғизларидан олов, тутун ва олтингугурт отилиб чиқарди. 18 Инсониятнинг учдан бир қисми шу уч балодан — олов, тутун ва олтингугуртдан ўлди. 19 Отларнинг кучи ҳам оғзида, ҳам думларида эди. Уларнинг думлари илонларга ўхшарди. Бу илонлар одамларни чақиб, жароҳатларди.

20 Бу балолардан омон қолган инсонлар эса ўзлари ясаган бутларидан воз кечмадилар, жинларга сиғинишдан қайтмадилар. Кўрмайдиган, эшитмайдиган,

юрмайдиган олтин, кумуш, бронза, тош ва ёғоч бутларга сажда қилавердилар.
21 Қотилликларидан, иссиқ–совуқ қилишдан, фаҳш–зино ва ўғриликларидан
қайтмадилар.

10–БОБ

Фаришта ва кичкина ўрама қоғоз

1 Мен самодан тушаётган бошқа кучли бир фариштани кўрдим. У булутга
бурканган эди. Унинг боши узра камалак бор эди. Юзи қуёшдай порлар, оёқлари
олов устунларидай ловуллаб турар эди. 2 Унинг қўлида кичкинагина очилган
ўрама қоғоз* бор эди. У ўнг оёғини денгиз устига, чап оёғини ер юзига қўйганича,
3 шер ўкиргандай қаттиқ ҳайқирди. У ҳайқирганда етти момақалдироқ ҳам тилга
кириб, гулдурос овоз билан гапира бошлади. 4 Етти момақалдироқ гапирганда,
мен уларнинг гапларини ёзмоқчи бўлдим. Лекин самодан бир овоз шундай деди:

— Етти момақалдироқнинг гапларини ёзма, уларни сир сақла!

5 Денгиз ва ер юзида турган, мен кўрган фаришта ўнг қўлини осмонга кўтарди.
6-7 У то абад барҳаёт Худо ҳақи онт ичди. Еру осмонни, денгиз ва уларни
тўлдирган жамики жониворларни яратган Худо ҳақи онт ичиб, шундай деди:

— Худо пайғамбар қулларига Ўзининг сир тутган режасини маълум қилганди.
Еттинчи фаришта карнай чалганда, Худо ўша режасини амалга оширади. Энди
кечиктирмайди.

8 Самодан келган овоз менга яна деди:

— Бор, денгиз ва ер устида турган фариштанинг қўлидан очиқ ўрама қоғозни
ол.

9 Мен фариштанинг ёнига бориб:

— Ўрама қоғозни менга беринг, — дедим. Фаришта менга деди:

— Мана, ол! Уни егин! У ичингни ачитиб юборади, оғзингга эса асалдай ширин
таъм беради.

10 Мен ўрама қоғозни фариштанинг қўлидан олиб едим. У оғзимда асалдек
ширин эди. Аммо уни ютганимдан кейин ичим ачишиб кетди.

11 Сўнг менга шундай деб айтишди:

— Сен яна кўп элатлар ҳақида, халқлар, миллатлару шоҳлар ҳақида башорат
қилишинг керак.

11–БОБ

Охирзамоннинг икки шоҳиди

1 Менга ўлчаш учун бир қамиш берилди, сўнг шундай деб айтилди: “Бор,
Худонинг Маъбадини ва қурбонгоҳни ўлчаб чиқ. У ерда сажда қилувчиларни
санагин. 2 Маъбаднинг ташқи ҳовлисини эса қолдир, уни ўлчама. Чунки у ер
бутпарастларга берилган. Улар муқаддас шаҳарни* 42 ой оёқ ости қиладилар.
3 Мен икки шоҳидимга қудрат бераман. Улар эгниларига қанор кийиб*, 1260 кун*
давомида ваъз қиладилар.

4 Бу икки шоҳид — бутун дунё Эгасининг ҳузурида турган иккита зайтун
дарахти ва иккита чироқпоядир. 5 Борди–ю, биронтаси уларга озор етказмоқчи
бўлса, уларнинг оғзидан олов чиқиб, ўша душманни еб битиради. Уларга озор
беришни истаганлар шу йўсинда ҳалок бўлади. 6 Бу икки шоҳид ваъз қиладиган
кунларда ёмғир ёғмаслиги учун Худо уларга осмонни беркитиш қудратини
берган. Уларга яна сувни қонга айлантириш ва ер юзини истаган вақтларида

турли балою офатларга йўлиқтириш қудрати берилди.
7 Улар шаҳодат бериб бўлганларидан кейин, тубсиз чуқурликдан чиққан бир
махлуқ* улар билан жанг қилади, уларни енгиб, ўлдиради. 8 Уларнинг жасадлари
буюк шаҳарнинг* кўчасида ётади. Шоҳидларнинг Раббийси Исо ҳам ўша шаҳарда
хочга михланган эди. Ўша шаҳарнинг рамзий номи Садўм ва Мисрдир*. 9 Барча элу
қабилалар, миллату халқлардан бўлган одамлар уч ярим кун давомида уларнинг
жасадларини томоша қиладилар. Уларни дафн этишга рухсат беришмайди. 10 Ер
юзида яшаётганлар шоҳидларнинг ўлимидан севиниб хурсандчилик қилишади.
Бир–бирларига ҳадялар юборишади. Чунки бу иккала пайғамбар ер юзида
яшовчиларга кўп азоб берган эди.”
11 Аммо уч ярим кундан кейин иккала пайғамбарнинг вужудига Худонинг ҳаёт
нафаси кирди. Шунда улар оёққа турдилар. Уларни кўрганларнинг ҳаммасини
қаттиқ ваҳима босди. 12 Икки пайғамбар самодан келган баланд бир овознинг: “Бу
ёққа чиқинглар!” — деганини эшитишди, шунда улар душманларининг кўз
ўнгида булут ичида самога кўтарилишди. 13 Ўша заҳоти шиддатли зилзила юз
берди. Шаҳарнинг ўндан бир қисми қулади. Зилзилада етти минг киши нобуд
бўлди. Қолганлари эса ваҳимага тушиб, Самовий Худони улуғлашди.
14 Иккинчи ҳалокат ўтди. Мана, учинчи ҳалокат тез яқинлашяпти.

Еттинчи карнай: самодаги ҳамду сано

15 Еттинчи фаришта карнайини чалди. Самода баланд овозлар янгради. Улар
шундай деб айтаётган эдилар:

> “Энди бу дунё ҳукмронлиги
> Эгамизга ва Унинг Масиҳига тегишлидир.
> Улар абадулабад ҳукмронлик қилишади.”

16 Шунда Худонинг ҳузуридаги ўз тахтларида ўтирган йигирма тўрт нафар
оқсоқол юз тубан ерга мук тушдилар. Улар Худога сажда қилиб дедилар:

> 17 “Ё Қодир Худо — Эгамиз!
> Сен бор бўлгансан, ҳозир ҳам борсан*.
> Биз Сенга ташаккурлар айтамиз.
> Ахир, Сен буюк қудратингни намоён этдинг,
> Ҳукмронлик қила бошладинг.
> 18 Халқлар Сендан ғазабланганди,
> Энди Сен ҳам ғазабга миндинг.
> Энди вақти келди ўликларни ҳукм қилишга,
> Пайғамбар қулларингни, азизларингни мукофотлашга,
> Сендан қўрққан каттаю кичикни тақдирлашга.
> Ерни вайрон қилганларни вақти келди хонавайрон қилишга!”

19 Сўнг Худонинг самодаги Маъбади очилди. Маъбадда Худонинг Аҳд сандиғи
кўринди*. Ўшанда чақмоқ чақиб, момақалдироқнинг гулдурос садолари янгради,
зилзила бошланди, шиддатли дўл ёғди.

12–БОБ

Туққан аёл ва аждарҳо

1 Осмонда ажойиб бир аломат рўй берди: қуёшга бурканган бир аёл пайдо
бўлди. Унинг оёқлари остида ой ва бошида ўн икки юлдузли тож бор эди. 2 Аёл

ҳомиладор бўлиб, уни тўлғоқ тутар, дард билан бақирар эди.
3 Сўнгра осмонда бошқа бир аломат кўринди: етти бошли, ўнта шохли улкан
қизил аждарҳо пайдо бўлди. Унинг ҳар бир бошида биттадан тожи бор эди. 4 У
думи билан осмондаги юлдузларнинг учдан бир қисмини судраб, ерга улоқтирди.
Аждарҳо тўлғоқ тутган аёлнинг олдига туриб олди. Чақалоқ туғилиши биланоқ
аждарҳо уни ютиб юбормоқчи эди. 5 Аёл ўғил кўрди. Келажакда барча халқларни
темир хивчин билан бошқарадиган* бу ўғлон дарҳол олиб кетилди. У Худонинг
ҳузурига, тахтга келтирилди. 6 Аёл эса чўлга қочиб борди. У ерда 1260 кун
давомида аёлга ғамхўрлик қилишсин деб, Худо махсус жой ҳозирлаб қўйган эди.
7 Шундан кейин самода жанг бошланди. Микойил* ва унинг фаришталари
аждарҳога қарши чиқишди. Аждарҳо ҳам ўзининг фаришталари билан Микойилга
қарши жанг қилди. 8 Аммо аждарҳо талафот кўрди. Унга ва унинг фаришталарига
энди самода жой йўқ эди. 9 Улкан аждарҳо ерга улоқтирилди. Бутун дунёни
алдаган бу алмисоқ илон иблис ва шайтон деб аталган. У ўз фаришталари билан
ерга улоқтирилди.
10 Шунда мен самодан баланд овозда айтилган бу сўзларни эшитдим:

“Худойимиз нажоту қудратини аён қилди,
Мана, Унинг Шоҳлиги келди.
Худонинг Масиҳи ҳокимияти ўрнатилди.
Ахир, биродарларимизнинг туҳматчиси ерга улоқтирилди,
Ҳа, Худойимиз ҳузурида кеча–кундуз
Уларга туҳмат қилаётган иблис пастга отилди.
11 Улар Қўзининг қони туфайли,
Ўзларининг шаҳодат сўзи туфайли иблисни енгдилар.
Ҳатто ўлим хавфи остида бўлганларида жонларини аямадилар.
12 Эй осмону фалак, хурсанд бўл!
Унда яшовчилар, шодланинг!
Аммо, эй еру денгиз, сизнинг ҳолингизга вой!
Зеро, иблис олдингизга тушди.
Вақти оз қолганини билиб, у қаҳру ғазабга минди.”

13 Аждарҳо ўзининг ер юзига улоқтирилганини англагач, ўғил бола туққан аёлни
таъқиб қила бошлади. 14 Аёл ўша илондан қоча олиши учун унга катта бургутнинг
икки қаноти берилди. У саҳрога — уч ярим йил* давомида унга ғамхўрлик
қилинадиган жойга қочиб бориши керак эди. 15 Илон эса, уни сел оқизиб кетсин
деб, оғзини очди–да, аёлнинг кетидан дарёдай сув оқизди. 16 Аммо ер аёлга ёрдам
берди. Ер даҳанини очиб, аждарҳо оқизган дарёни ютиб юборди. 17 Аждарҳо
аёлдан қаттиқ ғазабланди. У аёлнинг бошқа фарзандлари билан жанг қилгани
чиқди. Аёлнинг фарзандлари — Худонинг амрига итоат қилган ва Исонинг
шаҳодатига содиқ қолган одамлардир.

13–БОБ

Денгиздан чиққан махлуқ

1 Аждарҳо денгизнинг қум соҳилига бориб турди*.
Тўсатдан мен денгиздан бир махлуқ чиқиб келганини кўрдим. Унинг еттита
боши ва ўнта шохи бор эди. Ҳар бир шохига биттадан тож кийдирилган, ҳар бир
бошига эса куфрона ном ёзилганди. 2 Мен кўрган бу махлуқ қоплонга ўхшарди.
Оёқлари айиқнинг оёғига, оғзи эса шернинг оғзига ўхшар эди. Аждарҳо бу

махлуққа ўз қудрати, тахти ва буюк ҳокимиятини берди. 3 Махлуқнинг
бошларидан бири даволаб бўлмайдиган даражада қаттиқ яраланган эди. Аммо
унинг бу яраси соғайиб қолди. Шунда бутун жаҳон ҳайратда қолиб, махлуққа
эргашди. Одамлар аждарҳога сажда қилишди, чунки аждарҳо махлуққа ўз
ҳокимиятини берди. 4 Улар махлуққа ҳам сажда қилиб, шундай деб айтишарди:
“Ким ҳам бу махлуққа тенг келарди?! Ким ҳам унга қарши чиқа оларди?!”
5 Махлуққа такаббурона ва куфрона сўзлар айтадиган оғиз берилди. Унга қирқ
икки ой давомида ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи берилди. 6 Махлуқ куфр кетиб,
Худони ва Худонинг номини лаънатлади. У Худо яшайдиган маконга ва самода
яшайдиган ҳар бир мавжудотга лаънатлар ёғдирди. 7 Унга Худонинг азизларига
қарши жанг қилиш ва уларни енгиш учун изн берилди. Унга ҳар бир қабила, элат,
миллат ва халқ устидан ҳокимият берилди.
8 Бу дунёга қарашли одамларнинг ҳаммаси махлуққа сажда қилишади.
Уларнинг исмлари бўғизланган Қўзининг ҳаёт китобига* дунё яратилишидан
олдин ёзилмаган*.

9 Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!
10 Ҳамма пешанасидагини кўради:
Баъзилар асирликка тушиб, сургунга кетади.
Баъзилар қиличдан ўтказилади*,
Бу вазият Худо азизларидан сабр–тоқату имонни талаб қилади.

Ердан чиққан махлуқ

11 Бундан сўнг мен ердан чиқаётган бошқа бир махлуқни кўрдим. Унинг икки
шохи қўчқорнинг шохларига ўхшарди, у аждарҳодай гапирарди. 12 У биринчи
махлуққа хизмат қилиб, унинг бутун ҳокимиятини ишга соларди. Бутун ер юзи ва
у ерда яшаганлар яраси тузалган биринчи махлуққа сажда қилсин деб, уларни
мажбурларди. 13 Бу иккинчи махлуқ буюк ва мўъжизали аломатлар кўрсатди. У
ҳатто ҳамманинг кўзи олдида осмондан ерга олов туширди. 14 Биринчи
махлуқнинг номидан бу мўъжизали аломатларни кўрсатишга унга изн
берилганди. Бу аломатлари билан у ер юзидаги одамларни йўлдан оздирди. У
одамларга: “Қиличдан яраланган, аммо соғ қолган махлуқнинг тасвирини
ясанглар”, — деб буюрди. 15 Унга махлуқнинг тасвирига жон ато этиш қудрати
берилганди. Махлуқ тасвири тилга кирди ва ўзига сажда қилмаганларнинг
ҳаммасини ўлдиртирди. 16 У ҳаммани — каттаю кичикни, бою камбағални, қулу
эркин одамни мажбурлаб, уларнинг ўнг қўли ёки пешанасига тамға бостирди.
17 Кимда махлуқнинг тамғаси бўлмаса, у мутлақо олди–сотди қилолмасди.
Тамғада махлуқнинг номи ёки номининг сони ёзиларди.
18 Бунда ҳикмат бор. Ақли етган одам махлуқнинг сонини ҳисоблаб чиқсин,
чунки бу сон — маълум бир инсонни билдирадиган сондир. Унинг сони 666*.

14–БОБ

Қўзи ва 144.000 киши

1 Мен Сион тоғида* Қўзининг турганини кўрдим. Қўзи билан бирга 144.000
киши бор эди. Уларнинг пешаналарига Қўзининг ва Отаси Худонинг исми
ёзилганди. 2 Шунда мен самодан бир товуш эшитдим. Бу товуш денгизнинг
шовуллашидай, гумбурлаган момақалдироқ товушидай эди. У худди арфа
чалаётган чолғучиларнинг куйига ўхшарди. 3 Ўша 144.000 киши тахт олдида,
тўртта жонли мавжудот ва оқсоқоллар олдида янги бир қўшиқ куйлаётган

эдилар. Дунёдан қутқариб олинган бу 144.000 кишидан бошқа ҳеч ким бу қўшиқни ўргана олмас эди. 4 Бу одамлар булғанмаганлар, бокира қизлардай ўзларини пок сақлаганлар*. Қўзи қаерга борса, Унинг орқасидан эргашганлар. Инсонлар орасидан қутқариб олинган бу одамлар илк ҳосил сингари, Худо ва Қўзига назр қилинганлар. 5 Уларнинг тилида ёлғон–макр йўқ, улар бенуқсондирлар*.

Уч фариштанинг хабари

6 Шундан кейин бошим узра учиб бораётган бир фариштани кўрдим. Бу фаришта ер юзида яшовчи ҳар бир халқ ва қабилага, ҳар қандай миллату элатга абадий Хушхабарни эълон қилаётган эди. 7 У баланд овозда шундай деди:

> “Худодан қўрқинг, Уни улуғланг!
> У халқларни ҳукм қиладиган вақт келди.
> Еру осмонни, денгизу булоқларни Яратганга сажда қилинг!”

8 Унинг кетидан иккинчи фаришта учиб келиб, шундай деди:

> “Вайрон бўлди!
> Буюк Бобил шаҳри* вайрон бўлди!
> Бобил шаҳвоний ҳирси шаробидан
> Ҳамма халқларга ичирганди.”

9 Уларнинг кетидан учинчи фаришта учиб келиб, баланд овозда шундай деди:

— Кимки махлуққа ва унинг тасвирига сажда қилиб, пешанаси ёки қўлига тамға қабул қилса, 10 у Худонинг ғазаб шаробидан ичади. Қаҳр косасига қуйилган бу шароб ниҳоятда кучлидир. Бундай одамлар муқаддас фаришталар ва Қўзи олдида ёнаётган олтингугурт ичида азоб чекадилар. 11 Азобларининг тутуни абадулабад бурқираб туради. Махлуқ ва унинг тасвирига сажда қилиб, махлуқ номли тамғани қабул қилганлар кечаю кундуз тинчлик билмайдилар. 12 Бундай вазиятда Худонинг амрларига итоат қилган ва Исога содиқ қолган Худонинг азизларидан сабр–тоқат талаб қилинади.

13 Шунда мен самодан бир овоз эшитдим. У менга деди:

— Шундай деб ёз: бундан буён Раббимиз Исога умид боғлаб, оламдан кўз юмганлар бахтлидир!

— Ҳа, — дейди Руҳ, — улар қилган оғир меҳнатидан дам олсинлар, меҳнатининг роҳатини кўрсинлар.

Ернинг ҳосили ўрилади

14 Шундан кейин мен бир оқ булутни кўрдим. Булут устида инсон қиёфасидаги бир Зот* ўтирганди. Унинг бошида олтин тож, қўлида ўткир ўроқ бор эди.
15 Кейин Маъбаддан бир фаришта чиқди. У булут устида ўтирган Зотга баланд овозда шундай деди: “Ўроғингизни ишга солинг, чунки ўрим–йиғим вақти келди. Мана, ернинг ҳосили етилди.” 16 Булут устида ўтирган Зот ерга ўроқ солди, ернинг ҳосили ўрилди.

17 Самодаги Маъбаддан бошқа бир фаришта чиқди. Унинг ҳам ўткир ўроғи бор эди. 18 Сўнг қурбонгоҳ олдидан яна бошқа бир фаришта келди. У қурбонгоҳдаги олов учун масъул эди. У ўткир ўроқли фариштага баланд овозда хитоб қилди: “Ўткир ўроғингни ишга сол. Ердаги узум бошларини йиғ. Ахир, узум пишиб бўлди.”

19 Фаришта ўроғини ерга солди. Ердаги узум бошларини йиғиб, Худонинг узум

сиқадиган катта қаҳр–ғазаби чуқурига* улоқтирди. 20 Шаҳар ташқарисидаги ўша чуқурда узумларни эза бошлашди. Чуқурдан қон дарё бўлиб оқиб чиқди. Бу қонли дарё 1600 ўқ отими* масофага оқиб борди, у шунчалик чуқур эдики, деярли отни кўмиб юборар эди.

15–БОБ

Етти фариште ва етти бало

1 Мен самода буюк ва ҳайратга соладиган бошқа бир аломатни кўрдим. Самода еттита фариште турарди, ҳар бирининг қўлида биттадан бало бор эди. Бу балолар сўнгги балолар бўлиб, Худо ғазабини якунлар эди.

2 Мен гўё олов аралаш ойнадай бўлган бир денгизни кўрдим. Унинг ёнида одамлар турган эди. Улар махлуқ устидан, унинг тасвири ва номини билдирган сон* устидан ғалаба қозонган эдилар. Уларнинг қўлларида Худо берган арфалар бор эди. 3 Улар Худо қули Мусонинг ва Қўзининг қўшиғини* куйлардилар:

“Ё Қодир Худо — Эгамиз,
Буюк ва ажойибдир Сенинг ишларинг.
Эй халқларнинг Шоҳи!
Тўғри ва ҳақдир Сенинг йўлларинг.
4 Эй Эгамиз, Сендан қўрқмайдиган борми?!
Номингни улуғламайдиган борми?!
Ахир, ёлғиз Ўзинг муқаддасдирсан.
Жамики халқлар ҳузурингга келадилар,
Улар Сенга сажда қиладилар.
Зеро, одил ҳукмларинг ҳаммага аён бўлди.”

5 Шундан сўнг мен самовий Маъбаднинг Энг муқаддас хонаси* очилганини кўрдим. 6 Маъбаддан етти балони тутган еттита фариште чиқди. Уларнинг эгнида тоза, оппоқ зиғир либослар бор эди, кўксиларига олтин тасмалар боғланган эди. 7 Тўртта мавжудотдан бири бу етти фариштага еттита олтин косани берди. Бу косалар то абад барҳаёт Худонинг ғазаби билан тўлган эди. 8 Маъбад Худонинг улуғворлиги ва қудрати тутунига тўлиб кетди. Етти фариштанинг етти балоси тамом бўлмагунча, ҳеч ким Маъбадга кира олмади.

16–БОБ

Худонинг ғазабига тўла етти коса

1 Бундан кейин мен Маъбаддан келаётган баланд бир овозни эшитдим. Ўша овоз еттита фариштага шундай деди: “Боринглар, Худонинг ғазабига тўлиб–тошган етти косадаги балоларни ерга тўкинглар.”

2 Биринчи фариште бориб, косасидагини ерга тўкди. Махлуқнинг тамғаси босилган ва унинг тасвирига сажда қилган одамларда оғир, жирканч яралар пайдо бўлди.

3 Иккинчи фариште косасидагини денгизга тўкди. Денгиз ўликнинг қонига ўхшаб қолди. Денгиздаги ҳамма жониворлар қирилиб кетди.

4 Учинчи фариште косасидагини дарёларга ва булоқларга тўкди, улар ҳам қонга айланди. 5 Сувлар учун масъул бўлган фариштанинг шундай деганини эшитдим:

“Эй Муқаддас Худо,
Сен бор бўлгансан, ҳозир ҳам борсан.
Сенинг чиқарган бу ҳукмларинг одилдир.
6 Азизларинг ва пайғамбарларингнинг қонини тўкканларга
Сен қон ичирдинг, улар бунга лойиқдир.”

7 Қурбонгоҳдан шундай бир овоз эшитилди:

“Ҳа, Қодир Худо — Эгамиз!
Сенинг ҳукмларинг ҳақ ва адолатлидир.”

8 Тўртинчи фаришта ўз косасини қуёш устига тўкди, қуёшга инсонларни олов
билан ёндириш қудрати берилди. 9 Жазирама иссиқ инсонларни куйдирганда,
улар бу офатлар устидан ҳокимиятга эга бўлган Худони лаънатладилар. Улар
қилмишларидан тавба қилмадилар, Худони улуғламадилар.
10 Бешинчи фаришта косасидагини махлуқ тахтига тўкди, махлуқнинг
салтанати зимистонга чулғаниб қолди. Одамлар чеккан азобидан тилларини
тишлардилар. 11 Яраларининг оғриғидан Самовий Худони лаънатлардилар. Аммо
қилмишларидан тавба қилмадилар.
12 Олтинчи фаришта косасидагини буюк Фурот дарёси устига тўкди. Дарёнинг
суви қуриди. Шарқдан бостириб келадиган шоҳларга йўл очилди.
13 Бундан кейин мен қурбақаларга ўхшаш учта ёвуз руҳни кўрдим. Улар
аждарҳо, махлуқ ва сохта пайғамбарнинг* оғизларидан чиқаётган эдилар. 14 Булар
жинлар бўлиб, мўъжизали аломатлар кўрсата олардилар. Улар Қодир Худонинг
улуғ кунида бўладиган жангга барча жаҳон шоҳларини тўплагани бордилар.

15 Масиҳнинг шундай гапларини ёдингизда тутинг:
“Мана, Мен ўғри каби ногаҳон келаман!
Ҳушёр турган киши бахтлидир,
Яланғоч юрмайин, шарманда бўлмайин деб,
Кийимини тахт қилиб қўйган киши бахтлидир!”

16 Учта ёвуз руҳ жаҳон шоҳларини иброний чадаги Хар–Магидўн деган жойга
тўпладилар.
17 Еттинчи фаришта косасидагини ҳавога тўкди. Маъбаддаги тахтдан: “Амалга
ошди!” — деган баланд бир овоз келди. 18 Шу вақт чақмоқ чақиб,
момақалдироқнинг гулдурос садолари янгради, кучли зилзила бўлди. Зилзила шу
қадар кучли эдики, ер юзида инсон яшагандан бери бунақаси бўлмаганди. 19 Буюк
шаҳар уч қисмга бўлиниб кетди. Бошқа халқларнинг шаҳарлари ер билан яксон
бўлди. Худо буюк Бобил шаҳрини* ёдга олди. У Бобилга косадаги Ўзининг ғазаби
шаробидан берди. 20 Ҳар бир орол ўрнидан жилди, тоғлар кўздан ғойиб бўлди.
21 Осмондан одамлар устига йирик дўл ёғилди. Ҳар бир дўл донасининг оғирлиги
икки пуд* чиқарди. Бу даҳшатли дўл дастидан одамлар Худони лаънатлашарди.

17–БОБ

Махлуқни минган аёл

1 Еттита косани тутган етти фариштадан бири келиб, менга шундай деди: “Бу
ёққа кел, мен сенга машҳур фоҳишанинг оладиган жазосини кўрсатаман. Фоҳиша
тимсолидаги бу буюк шаҳар* сероб сувлар бўйида жойлашган*. 2 Ер юзининг

шоҳлари у билан зино қиларди, ер юзида яшаётганлар унинг фаҳшу зино шаробидан ичиб, маст бўлишарди.”

3 Муқаддас Руҳ мени қамраб олди, фаришта мени чўлга олиб борди. У ерда мен қип–қизил махлуқ* устида ўтирган бир аёлни кўрдим. Махлуқнинг ҳамма ёғига куфрона номлар ёзилганди, унинг еттита боши ва ўнта шохи бор эди. 4 Аёл сафсар ва қип–қизил либослар кийган, олтин, жавоҳир ва марваридлар билан безанганди. Унинг қўлида олтин коса бор эди, бу коса жирканчли нарсаларга, фаҳшу ҳаромликларга тўлиб–тошган эди. 5 Аёлнинг пешанасига сирли маънога эга бўлган шундай бир исм ёзилганди: “Буюк Бобил — фоҳишаларнинг ва ер юзидаги жирканч ишларнинг онасидир.”

6 Мен аёлнинг Худо азизлари қонидан, яъни Исо шоҳидлари қонидан маст бўлганини кўрдим. Уни кўриб, ғоят даражада ҳайрон қолдим.

7 Фаришта менга деди: “Нега ҳайрон бўласан? Мен сенга аёлнинг ва у минган етти бошли, ўн шохли махлуқнинг сирини айтиб бераман. 8 Сен кўрган бу махлуқ қачонлардир бор эди, энди эса йўқ. У кўп ўтмай тубсиз чуқурликдан чиқади ва маҳв этилади. Дунё яратилишидан олдин исмлари ҳаёт китобига* ёзилмаган ер юзидаги ҳамма одамлар махлуқни кўриб, ҳайрон қоладилар. Чунки бу махлуқ бор эди, ҳозир йўқ, аммо яна келади.

9 Буларни англамоқ учун ақлу идрок даркор. Махлуқнинг етти боши — аёл ўтирган еттита тепаликнинг тимсолидир. 10 Бу етти бош еттита ҳукмдорни ҳам билдиради. Буларнинг бештаси қулаган, биттаси ҳозир ҳукмронлик қиляпти, бошқаси эса ҳали келгани йўқ. У келганда ҳам кўп вақт турмайди. 11 Илгари бор, ҳозир йўқ махлуқ эса еттита ҳукмдордан бири бўла туриб, саккизинчи ҳукмдор сифатида қайтиб келади ва маҳв этилади.

12 Сен кўрган махлуқнинг ўнта шохи ҳали тахтга ўтирмаган бошқа ўнта ҳукмдорни билдиради. Улар қисқа вақт давомида махлуқ билан бирга ҳукмронлик қиладилар. 13 Бу ҳукмдорлар бирлашиб, ўзларининг қудрати ва ҳокимиятини махлуққа топширадилар. 14 Улар Қўзига қарши жанг қиладилар. Аммо Қўзи Ўзининг даъват этилган, танланган ва содиқ издошлари билан уларни енгади. Ахир, Қўзи ҳукмдорларнинг Ҳукмдори, шоҳларнинг Шоҳидир.”

15 Фаришта менга яна шундай деди: “Сен фоҳишанинг сувлар бўйида ўтирганини кўрдинг. Бу сувлар тўда–тўда элатларни, халқлару миллатларни билдиради. 16 Сен кўрган ўнта шох ва махлуқ фоҳишадан нафратланадилар. Уни хонавайрон қилиб, яланғоч қолдирадилар. Унинг этини ейдилар, қолдиқларини эса оловда ёндирадилар. 17 Худонинг айтган сўзлари амалга ошмагунча, ўнта ҳукмдор бирлашиб, ўз ҳокимиятини махлуққа топширадилар. Зеро, бу мақсадни уларнинг дилига Худонинг Ўзи солган. 18 Сен кўрган аёл — ер юзи шоҳлари устидан ҳукмронлик қиладиган буюк шаҳардир.”

18–БОБ

Бобил вайрон бўлади

1 Бундан кейин мен самодан тушиб келаётган бошқа бир фариштани кўрдим. Унда буюк ҳокимият бор эди. Унинг улуғворлигидан ер юзи ёришиб кетди. 2 У қаттиқ ҳайқириб, шундай деди:

> “Вайрон бўлди! Буюк Бобил* вайрон бўлди!
> У жинларнинг макони, ҳар турли ёвуз руҳнинг паноҳи,
> Ҳар қандай ҳаром ва жирканч қушнинг уяси бўлиб қолди.

Ахир, барча халқлар Бобилнинг
Шаҳвоний ҳирси шаробидан ичганди.
3 Ер юзи шоҳлари у билан зино қилганди,
Ер юзи савдогарлари
Унинг чексиз шаҳвати туфайли бойлик орттирганди.”

4 Шу пайт мен самодан келаётган бошқа бир овозни эшитдим. У шундай деди:

“Эй халқим, Бобилдан чиқиб кетинг!
Тағин гуноҳларига шерик бўлиб қолманг,
Тағин сизлар ҳам Бобилнинг балоларига дучор бўлманг!
5 Зеро, унинг гуноҳлари уйилиб кўкка етди,
Худо унинг жиноятларини ёдга олди.
6 Бобил сизга нима қилган бўлса,
Худо ҳам унга шуни қилсин!
Қилмишига яраша икки баробар жазосини берсин!
Ўзи тайёрлаган ичимликдан унга икки баробар ичирсин!
7 Бобил қай даражада кеккайиб, кайф–сафо сурган бўлса,
Унга шу даражада азобу изтироб берилсин!
Ахир, у дилида шундай демоқда:
«Мен маликаман, бева эмасман,
Асло қайғу чекмайман.»
8 Шу боис унинг бошига балолар келади,
У бир куннинг ичида ўлат, қайғу, қаҳатчиликка дучор бўлади.
Уни оловда ёндиришади.
Ахир, уни ҳукм қилувчи Эгамиз Худо қудратлидир!”

9 Бобил билан зино қилиб, кайф–сафо сурган ер юзи шоҳлари ёнаётган Бобилнинг тутунини кўриб, унинг ҳолига ҳўнграб йиғлайдилар. 10 Бобилнинг азоб–уқубатидан даҳшатга тушиб, узоқдан туриб, дейдилар:

“Эй буюк шаҳар, ҳолингга вой!
Эй қудратли Бобил, ҳолингга вой!
Сен бир соатдаёқ жазоингни олдинг!”

11 Ер юзи савдогарлари ҳам унинг ҳолига йиғлаб, мотам тутадилар. Чунки уларнинг молини энди ҳеч ким сотиб олмайди. 12 Олтин, кумуш, жавоҳирлару марваридларни, майин зиғир матоси, шойи, сафсару қирмизи газламаларни, турли хил хушбўй ёғочларни, фил суягидан ясалган ҳар хил буюмларни, энг қимматбаҳо ёғочдан, бронзадан, темирдан ва мармардан ясалган буюмларни, 13 долчин, зираворлар, хушбўй тутатқилар ва миррани*, шароб, зайтун мойини, олий навли ун ва буғдойни, мол–қўйларни, отлару араваларни, одамларнинг жонини, танасини ҳам сотиб оладиган бошқа ҳеч ким бўлмайди. 14 Савдогарлар шундай деб айтишади: “Эй Бобил, сен орзу қилган неъматларинг йўқ бўлди. Ҳашамату савлатинг ном–нишонсиз ғойиб бўлди.” 15 Ҳа, ўша молларини Бобилга сотиб, бойиб кетган савдогарлар Бобилнинг азоб–уқубатидан даҳшатга тушиб, қайғуриб йиғлайдилар:

16 “Ҳолингга вой!
Эй буюк шаҳар, ҳолингга вой!
Сен майин зиғир матосидан кийим кияр эдинг,

Сафсару қирмизи либослар ила ясанардинг.
Олтин, жавоҳирлару марваридлар ила безанардинг.
17 Шундай бойлигинг бир соатдаёқ нобуд бўлди–я!”

Ҳар бир кема дарғаси, кемадаги йўловчилар, денгизчилар ва денгизда савдо–сотиқ қилувчиларнинг ҳаммаси узоқдан Бобилга қараб турадилар.
18 Шаҳардаги ёнғиндан чиқаётган тутунни кўриб, шундай фарёд қиладилар: “Бу буюк шаҳарга тенг келадигани йўқ!” 19 Улар бошларига кул сочиб, фарёд чекиб, қайғуриб, дод соладилар:

“Ҳолингга вой!
Эй буюк шаҳар, ҳолингга вой!
Денгиздаги кемаларга эга бўлганлар
Сенинг зийнатларинг туфайли бойлик орттирдилар.
Энди эса сен бир соатдаёқ хароб бўлдинг!

20 Эй само, унинг ҳолидан шодлангин,
Эй Худонинг азизлари, хурсанд бўлинг,
Ҳаворийлару пайғамбарлар, севининг!
Зеро, Худо сизларни деб, Бобилни жазолади.”

21 Кейин кучли бир фаришта тегирмон тошига ўхшаш катта тошни кўтариб, денгизга улоқтирди–да, шундай деди:

“Мана шундай шиддат билан
Буюк шаҳар Бобил қулайди!
Энди у асло қад кўтармайди.
22 Арфачилару ашулачиларнинг овозлари сенда эшитилмас,
Найчию карнайчиларнинг куйи сенда янграмас.
Энди бирон ҳунарманд сенда устахона очмайди.
Тегирмон тошининг товуши кўчаларингда эшитилмайди.
23 Энди кўчаларингдаги чироқлар шуъла сочмайди,
Куёв билан келиннинг овози эшитилмайди.
Зеро, савдогарларинг бутун дунёга сўзини ўтказарди,
Сеҳр–жодуларинг дастидан жамики халқлар алданган эди.
24 Пайғамбарлар ва Худо азизларининг қони кўчаларингда тўкилди,
Ҳа, ер юзида қирғинга дучор бўлганлар сенда ўлдирилди.”

19–БОБ

Самодаги ҳамду сано

1 Бундан кейин мен самодаги катта оломоннинг ғала–ғовурига ўхшаш баланд овозларни эшитдим:

“Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!
Нажот, улуғворлик ва қудрат Худойимизга тегишлидир.
2 Зотан, У тўғри ва адолатли ҳукм қилади.
Ер юзини фаҳш–зино ила булғаган ашаддий фоҳишани У маҳкум этди,
Ундан Ўз қулларининг хунини олди.”

3 Оломон яна шундай деб ҳайқирди:

“Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!
Бобилдан* то абад бурқираб тутун чиқади.”

4 Шу пайт йигирма тўрт нафар оқсоқол ва тўрт мавжудот ерга мук тушиб: “Омин!
Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!” — дея тахтда ўтирган Худога сажда қилдилар.
5 Кейин тахтдан бир овоз келди:

“Эй Худойимизнинг барча қуллари,
Ундан қўрқувчи каттаю кичиклар,
Худога ҳамду сано айтинглар!”

6 Сўнгра мен катта бир оломоннинг овозига ўхшаш, шовуллаган денгиз,
гумбурлаган момақалдироқнинг садосига ўхшаш овозларни эшитдим. Улар
шундай дер эдилар:

“Эгамизга ҳамду санолар бўлсин!
Қодир Худо — Эгамиз ҳукмронлик қилмоқда!
7 Севиниб хурсанд бўлайлик,
Ҳаммамиз Уни улуғлайлик!
Ахир, Қўзининг никоҳ куни келди,
Унинг келини ўзини тўйга тайёрлади.”

8 Кийиши учун келинга ярқираган, пок, майин зиғир либос берилди. Бу либос —
Худо азизларининг одил ишларидир.
9 Кейин фаришта менга шундай деди:
— Қани, ёз: “Қўзининг никоҳ тўйига таклиф этилганлар бахтлидир!”
Яна қўшиб деди:
— Булар Худонинг ҳақ сўзларидир.
10 Мен фариштага сажда қилиш учун ўзимни оёқлари остига ташладим. Лекин
у менга деди:
— Йўқ, менга сажда қилма! Фақат Худога сажда қил! Мен ҳам сенга ўхшаб
Худога хизмат қиляпман, Исо ҳақида шаҳодат берадиган сен ва биродарларинг
сингари, Худонинг хизматкориман. Дарҳақиқат, Исо ҳақида шаҳодат берганлар
пайғамбарлардир, улар Худонинг ҳақ хизматкорларидир.

Оқ от минган Чавандоз

11 Бундан кейин мен осмоннинг очилганини кўрдим. У ерда бир оқ от турар
эди. Устидаги Чавандозни Содиқ ва Ҳақ деб чақиришарди. У одилона ҳукм
чиқариб, жанг қиларди. 12 Унинг кўзлари оташ алангасидай чақнарди. Бошида кўп
тожлари бор эди. Пешанасига эса Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган бир исм
ёзилганди. 13 Эгнидаги кийими қонга белангандди. Чавандозга “Худонинг Каломи”
деб ном берилган эди. 14 Оппоқ, топ–тоза, майин зиғир либос кийган самовий
қўшинлар оқ отларда Чавандозга эргашиб боришарди. 15 Унинг оғзидан ўткир
бир қилич чиқиб турарди. У ўша қиличи билан халқларни мағлуб этади, қўлидаги
темир хивчин билан уларни бошқаради*. Қодир Худонинг қайноқ қаҳр–ғазаби
чуқурдаги* узумларни босиб эзади. 16 Кийимининг сон қисмида: “шоҳларнинг
Шоҳи, ҳукмдорларнинг Ҳукмдоридир” деган исм ёзилган.
17 Шундан сўнг мен қуёш устида турган бир фариштани кўрдим. У учиб
кетаётган барча қушларга баланд овозда шундай хитоб қилди: “Худонинг буюк
базмига келинглар! 18 Шоҳлар, саркардалар, баҳодир жангчиларнинг

жасадларини, оту суворилар, ҳамма қулу эркин, каттаю кичикнинг жасадларини ейиш учун тўпланинглар!”

19 Шунда мен махлуқни, ер юзи шоҳларини, уларнинг қўшинларини кўрдим. Улар от минган Чавандоз билан Унинг қўшинларига қарши жанг қилиш учун сафарбар бўлган эдилар. 20 Махлуқ асир тушди. У билан бирга сохта пайғамбар* ҳам асир олинди. Бу сохта пайғамбар махлуқнинг номидан мўъжизали аломатлар кўрсатганди, бу аломатлари билан махлуқнинг тамғасини олган ва унинг тасвирига сажда қилган одамларни алдаган эди. Махлуқни ҳам, сохта пайғамбарни ҳам олтингугурт ёнаётган олов кўлига тириклайин ташлашди. 21 Бошқалар эса от минган Чавандознинг оғзидан чиққан қилич билан ўлдирилди. Ҳамма қушлар бўкиб қолгунча уларнинг гўштидан еди.

20–БОБ

Минг йиллик тинчлик

1 Мен самодан тушаётган бир фариштани кўрдим. Унинг қўлида тубсиз чуқурликнинг калити ва катта занжир бор эди. 2 Фаришта аждарҳони тутиб олди. Иблис ва шайтон деб аталган бу алмисоқ илонни у минг йил муддатга кишанлаб қўйди. 3 Яна халқларни алдамасин деб, уни тубсиз чуқурликка ташлаб, қамаб қўйди. Минг йил тамом бўлгунга қадар кираверишни муҳрлади. Минг йил ўтгандан кейин уни қисқа бир муддатга озод қилиши керак эди.

4 Бундан сўнг, мен тахтларни ва тахтларда ўтирганларни кўрдим. Худо тахтларда ўтирганларни оқлаган эди*. Улар Исо ҳақидаги шаҳодати ва Худонинг сўзи туфайли боши олинганларнинг жонлари эди. Улар махлуққа ва унинг тасвирига сажда қилмаганлар, пешаналари ва қўлларига унинг тамғасини бостирмаганлар. Улар тирилиб, Масиҳ билан минг йил ҳукмронлик қилдилар. 5-6 Бу биринчи тирилишдир. Биринчи тирилишда иштирок этганлар бахтли ва муқаддасдир. Иккинчи ўлим* уларга ҳоким эмас. Улар Худонинг ва Масиҳнинг руҳонийлари бўлиб, У билан минг йил давомида ҳукмронлик қиладилар.

Қолган ўликлар эса минг йил ўтмагунча тирилмади.

Шайтон жазоланади

7 Минг йил ўтгач, шайтон ўз зиндонидан озод этилади. У чиқиб, ернинг тўрт бурчагидаги халқларни, яъни Гўг ва Магўгни* алдаб, жангга тўплайди. Тўпланган халқларнинг сони денгиз қумидай сон–саноқсиз бўлади.

8 Улар бутун ер юзини қоплаб оладилар, Худо азизларининг қароргоҳини ва Худо яхши кўрадиган шаҳарни* қамал қиладилар. 9 Шунда осмондан олов тушиб, уларни қириб ташлайди. 10 Уларни алдаган иблис олтингугуртли кўлга ташланади. Махлуқ ва сохта пайғамбар* ҳам ўша кўлга ташланган эдилар. Улар кечаю кундуз, абадулабад у ерда азоб чекадилар.

Қиёмат куни

11 Кейин мен улкан бир оқ тахтни ва тахтда ўтирган Зотни кўрдим. Унинг ҳузуридан еру осмон қочар эди, бироқ уларга яширинган жой топилмади. 12 Мен ўша улкан тахт олдида турган каттаю кичик ўликларни кўрдим. Китоблар очилди. Ҳаёт китоби* деган бошқа бир китоб ҳам очилди. Ўликлар китобларда ёзилгани бўйича қилмишларига яраша ҳукм этилди. 13 Денгиз ўзидаги ўликларни берди, ўлим ҳам, ўликлар диёри* ҳам ўзларидаги ўликларни берди. Ҳар бир киши қилмишига яраша ҳукм этилди. 14 Ўлим ва ўликлар диёри олов кўлига ташланди. Мана бу олов кўли иккинчи ўлимдир*. 15 Исмлари ҳаёт китобида

ёзилмаганларнинг ҳаммаси олов кўлига ташланди.

21–БОБ

Янги еру осмон

1 Шундан кейин мен янги бир осмон ва янги бир ерни кўрдим. Аввалги еру
осмон ғойиб бўлган эди, денгиз ҳам энди йўқ эди. 2 Мен муқаддас шаҳар — янги
Қуддусни кўрдим. Қуддус самодан, Худо ҳузуридан тушиб келаётган эди. У куёви
учун безаниб олган келинчакка ўхшар эди. 3 Мен тахтдан баланд бир овоз
келганини эшитдим. Ўша овоз деди:

> “Худонинг маскани инсонлар орасидадир!
> У энди одамлар орасида яшайди,
> Улар Худонинг халқи бўладилар.
> Худонинг Ўзи улар билан бирга бўлади.
> 4 Худо уларнинг кўзидаги ҳар бир томчи ёшни артиб қўяди.
> Энди ўлим мавжуд бўлмайди,
> Ҳеч ким қайғурмайди, йиғламайди, азоб чекмайди.
> Зеро, аввалгилар ўтиб кетди.”

5 Тахтда ўтирган Зот шундай деди: “Мана, Мен ҳаммасини янги қилиб
яратяпман!” Кейин У менга деди: “Буларни ёзиб қўй. Ахир, бу сўзлар ишончли ва
тўғридир!” 6 Сўнг менга яна деди: “Амалга ошди! Ибтидо ва Интиҳо*, Боши ва
Поёни Ўзимман. Чанқаганга Мен булоқдаги ҳаётбахш сувдан ичираман. Бунинг
эвазига у ҳеч қандай тўлов бермайди. 7 Ғолиб келганларга бу баракалар насиб
бўлади. Мен унинг Худоси бўламан, у Менинг ўғлим бўлади. 8 Аммо қўрқоқ,
имондан қайтган, ифлос, қотил, бузуқ, жодугар, бутпараст ва ҳамма
ёлғончиларнинг қисмати олов ва олтингугурт билан ёнаётган кўлдадир. Бу
иккинчи ўлимдир*.”

Янги Қуддус

9 Шу пайт мен охирги етти балога тўлдирилган еттита косани ушлаган етти
фариштадан бирини кўрдим. У олдимга келиб, менга деди: “Бу ёққа кел! Мен
сенга келинни, Қўзининг хотинини кўрсатаман.”

10 Муқаддас Руҳ мени қамраб олди ва фаришта мени баланд бир тоғнинг
чўққисига олиб чиқди. У менга самодан, Худо ҳузуридан тушаётган муқаддас
шаҳар — Қуддусни кўрсатди. 11 Шаҳар Худонинг улуғворлигига тўлиб,
қимматбаҳо жавоҳирдай, биллур каби мусаффо бўлган яшма тошидай ярқирарди.
12 Қалин ва баланд девор билан ўралган бу шаҳарнинг ўн икки дарвозаси бор эди.
Ҳар бир дарвозани биттадан фаришта қўриқларди. Дарвозаларда Исроил
халқининг ўн икки қабиласи номлари ёзилганди. 13 Дарвозаларнинг учтаси
шарқда, учтаси шимолда, учтаси жанубда ва учтаси ғарбда жойлашган эди.
14 Шаҳар деворларининг ўн иккита пойдевори бор эди. Пойдеворларга Қўзининг
ўн икки ҳаворийси исмлари ёзилганди.

15 Менга гапирган фариштанинг қўлида олтин чизғичи бор эди. Бу чизғич
шаҳарни, унинг дарвозаларию деворини ўлчаш учун эди. 16 Шаҳар тўртбурчак
шаклда бўлиб, узунлиги билан эни бир хил эди. Фаришта чизғичи билан шаҳарни
ўлчади, шаҳарнинг эни 12.000 ўқ отими* экан. Унинг узунлиги билан баландлиги
ҳам шундай эди. 17 Сўнг фаришта шаҳарнинг деворини ўлчади. Деворнинг
баландлиги* 144 тирсак* чиқди. Фаришта инсоний ўлчовдан фойдаланганди.

18 Шаҳар девори яшма тошидан қурилганди. Шаҳарнинг ўзи эса шишадай тиниқ,
соф олтиндан эди. 19 Шаҳар деворларининг пойдеворлари турли қимматбаҳо
тошлар* билан безатилган эди: биринчи пойдевор яшмадан, иккинчиси кўк
ёқутдан, учинчиси агатдан, тўртинчиси зумраддан эди. 20 Бешинчиси ақиқ,
олтинчиси лаъл, еттинчиси хризолит, саккизинчиси берилл, тўққизинчиси топаз,
ўнинчиси забаржад, ўн биринчиси ложувард, ўн иккинчиси аметистдан эди. 21 Ўн
икки дарвоза ўн икки марвариддан иборат эди. Ҳар бир дарвоза битта
марвариддан ясалган эди. Шаҳарнинг шоҳ кўчаси соф олтиндан бўлиб, шишадай
мусаффо эди.
22 Мен бу шаҳарда Маъбад кўрмадим. Зотан, Қодир Худо — Эгамизнинг Ўзи ва
Қўзи шаҳарнинг Маъбадидир. 23 Шаҳарни ёритиш учун қуёшга ёки ойга эҳтиёж
ҳам йўқ. Чунки Худонинг улуғворлиги уни ёритади, Қўзининг Ўзи унинг чироғи
бўлади. 24 Халқлар шаҳарнинг нурида юришади. Ер юзи шоҳлари унга ўз
бойликларини келтиришади. 25 Шаҳар дарвозалари кун бўйи ёпилмайди, у ерда
тун бўлмайди. 26 Халқларнинг улуғвор хазиналари унга киритилади. 27 Лекин ҳеч
қандай ҳаром нарса, жирканч ишлар қиладиган ёки ёлғон гапирадиган бironта
киши унга кирмайди. Фақат Қўзининг ҳаёт китобида* ёзилганлар кирадилар.

22–БОБ

Ҳаёт дарёси

1 Фаришта менга биллурдай тиниқ, ҳаётбахш сувлар дарёсини кўрсатди. Бу
дарё Худонинг ва Қўзининг тахтидан чиқиб, 2 шаҳар кўчаси бўйлаб оқаётган эди.
Дарёнинг иккала қирғоғида ҳам ҳаёт дарахти бор эди. Бу дарахт йилда ўн икки
марта, ҳар ой ҳосил беради. Дарахтнинг барглари халқларга шифо бахш этади.
3 Лаънат деган нарса у ерда қолмайди. Шаҳарда Худонинг ва Қўзининг тахти
бўлади, Худонинг қуллари Унга хизмат қилади. 4 Улар Худонинг жамолини
кўради. Худонинг исми уларнинг пешаналарига ёзилади. 5 У ерда бошқа тун
бўлмайди. Чироққа ҳам, қуёшга ҳам эҳтиёж қолмайди. Ахир, Эгамиз Худо уларга
нур сочади, улар эса то абад ҳукмронлик қилади.

Исо келяпти

6 Фаришта менга шундай деди: “Бу сўзлар ишончли ва тўғридир.
Пайғамбарларни руҳлантирган Эгамиз Худо Ўз қуллари олдига фариштасини
юборди. Токи фаришта яқин орада юз бериши муқаррар бўлган воқеаларни
уларга билдирсин.”

> 7 Масиҳ шундай демоқда:
> “Мен тезда келаман!
> Бу китобнинг башорат сўзларига
> Амал қилганлар бахтлидир!”

8 Мен, Юҳанно, буларни кўрдим ва эшитдим. Буларни кўриб эшитганимдан
кейин, бу нарсаларни менга кўрсатган фариштага сажда қилмоқчи бўлиб, ўзимни
унинг оёқларига ташладим. 9 Аммо у менга деди: “Зинҳор бу ишни қилма! Мен
сенинг ҳамкорингман, шунингдек, пайғамбар биродарларингнинг ва бу
китобдаги сўзларга риоя қилувчиларнинг ҳамкориман. Худога сажда қил!”
10 Кейин менга яна шундай деди: “Бу китобнинг башорат сўзларини сир
сақлама, чунки вақт яқиндир. 11 Бадкирдорлар ёмонлигини қилаверсин. Ифлослар
ифлослигини давом эттираверсин. Солиҳлар эса тўғри иш қилишдан тўхтамасин,

муқаддас одамлар ўзини муқаддас сақласин.”

12 Масиҳ шундай демоқда:
“Мен тез келаман, мукофотим Ўзим билан.
Ҳар кимга қилмишига ярашасини бераман.
13 Мен Ибтидо ва Интиҳодирман*,
Биринчи ва Охирги,
Боши ва Поёнидирман.”

14 Либосларини ювганлар* нақадар бахтлидир! Улар ҳаёт дарахти мевасидан ейишга, шаҳар дарвозаларидан киришга ҳақли бўладилар. 15 Ҳамма “кўппаклар” — жодугарлар, ахлоқи бузуқлар, қотиллар, бутпарастлар, ёлғонга ружу қўйиб, ҳийла ишлатганлар эса ташқарида қоладилар.

16 “Мен, Исо, Ўз фариштамни олдингизга юбордим,
Токи у булар тўғрисида жамоатларимга шаҳодат берсин.
Мен Довуд илдизидан чиққан Зотдирман*, унинг зурриётиман,
Ёруғ тонг юлдузиман.”

17 Руҳ ҳам, келин ҳам: “Кел!” — деб чорлаяпти. Ушбу башорат сўзларни тинглаётган киши* ҳам: “Кел!” — деб айтсин. Ким чанқаган бўлса, келсин. Ким хоҳласа, ҳаётбахш сувдан текин баҳра олсин.
18 Бу китобнинг башорат сўзларини эшитувчи ҳар бир кишини огоҳлантираман: кимда–ким бу сўзларга бирор нарса қўшса, Худо ҳам ўша кишининг жазосига бу китобда ёзилган балоларни қўшади. 19 Кимда–ким бу китобдаги башорат сўзларидан бирортасини чиқариб ташласа, Худо ҳам ўша кишини бу китобда ёзилган ҳаёт дарахтидан ва муқаддас шаҳардан бенасиб қилади*.
20 Бу гапларнинг Шоҳиди: “Ҳа, Мен тез келаман!” — деб айтмоқда.
Омин! Ё Раббимиз Исо, келгин!
21 Раббимиз Исонинг иноят барчангизга ёр бўлсин*.

ИЗОҲЛАР

1:3 *Ушбу башорат сўзларини овоз чиқариб ўқиётган одам…Уни тинглаб…* — имонлилар бирга йиғилганда мана шу китобнинг овоз чиқариб ўқилишига ишора. Қадимда кўпчилик ўқишни билмас эди.

1:4-5 *Асия вилоятидаги имонлиларнинг еттита жамоати* — бу жамоатлар (шу бобнинг 11–оятига қаранг) Рим империясига қарашли бўлган Асия вилоятида жойлашган эди. Асия вилояти ҳозирги Туркиянинг ғарбида эди.

1:6 *Ота* — Худонинг унвони. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ОТА сўзига қаранг.

1:8 *Ибтидо ва Интиҳо* — юнонча матнда *Алфа ва Омега*, яъни юнон алифбесининг биринчи ва сўнгги ҳарфлари.

1:9 *Патмос ороли* — Эгей денгизидаги, Эфес шаҳридан қарийб 100 километр жануби–ғарбда, қоялардан иборат кичкина орол.

1:10 *Якшанба куни* — юнонча матнда *Раббимизнинг куни*, масиҳийлар бу кунни шундай деб атардилар, чунки Исо якшанба куни ўликдан тирилганди. Шу сабабдан масиҳийлар якшанба куни Худога сажда қилиш учун бирга йиғиладилар.

1:10 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида Исо айтган сўзларнинг бошига қуйидаги сўзлар қўшимча қилинган: *Мен Ибтидо ва Интиҳо, Боши ва Поёнидирман*.

1:11 *Смирна* — ҳозирги Туркиянинг Измир шаҳри.

1:13 *инсон қиёфасидаги бир Зот* — Исо Масиҳга ишора. Дониёр 7:13-14 га қаранг.

1:18 *ўликлар диёри* — яҳудийлар бу жойни, ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой, деб тушунарди.

1:20 *етти жамоатнинг фаришталари* — жамоатларни қўриқловчи фаришталарга ишора бўлиши мумкин (Ҳаворийлар 12:15 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг). Юнончадаги *фаришта* сўзи *элчи* маъносини ҳам беради. Шу сабабдан баъзи олимларнинг айтишларича, бу ўриндаги юнонча сўз матнда айтиб ўтилган етти жамоатнинг етакчиларини билдириши мумкин. Ёки Юҳаннони кўриб келиш учун ва ўша жамоатларга Исо Масиҳдан хабар етказиш учун юборилган етти жамоатнинг элчиларига ишора бўлиши ҳам мумкин (2:1, 8, 12, 18, 3:1, 7, 14 га қаранг).

2:1 *жамоатининг фариштаси* — 1:20 изоҳига қаранг.

2:6 *николасчилар* — ўзларини масиҳиймиз деб айтадиган мазҳаб. Чамаси, бу мазҳаб аъзолари масиҳийларни бутларга келтирилган қурбонлик гўштини ейишга ва фаҳш–зино қилишга ундаган (шу бобнинг 14-15–оятларига қаранг). Уларнинг бундай қарашлари, масиҳийлар учун ҳеч қандай чекловлар йўқ, деган тушунчани суиистеъмол қилиш натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин. Николасчиларнинг бу қарашлари Қуддусдаги жамоат етакчилари берган кўрсатмаларга мутлақо зид эди (Ҳаворийлар 15:28-29 оятларга ва Ҳаворийлар 15:20 нинг изоҳларига қаранг).

2:7 *ҳаёт дарахти* — 22:2, 14 га қаранг.

2:8 *Смирна* — ҳозирги Туркиянинг Измир шаҳри.

2:9 *...чеккан азобларингни...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ишларингни, чеккан азобларингни*.

2:9 *Ўзини Худонинг халқи деб атаганлар...Улар Худонинг халқи эмас...* — юнонча матнда *Ўзларини яҳудий деб атаганлар...Улар яҳудий эмас...*, ўша ҳудуддаги масиҳийларга қарши чиққан яҳудийларга ишора. Бунинг моҳияти шундаки, улар яҳудий бўлсалар ҳам, Исо Масиҳнинг Хушхабарини рад қилганлари учун, Худонинг халқи ҳисобланмас эдилар. Яна Юҳанно 8:34-37, Римликлар 2:28-29 га қаранг.

2:10 *ўн кун* — эҳтимол, азоб кунлари қисқа муддатда тугашини билдирадиган рамзий сондир.

2:11 *иккинчи ўлим* — дўзахга, Худодан то абад ажралишга ишора (20:11-14, 21:8 га қаранг). Биринчи ўлим инсоннинг жисмоний ўлимидир.

2:13 *...қаерда яшаётганингни...* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ишларингни, қаерда яшаётганингни*.

2:13 *Шаҳрингда шайтоннинг тахти жойлашган* — Пергамон Рим империясининг Асия вилоятида жойлашган бўлиб, императорга сажда қилиш маркази эди. Шу сабабдан бу оятда, шаҳрингда шайтоннинг тахти жойлашган, деб айтилган бўлиши мумкин.

2:13 *Антипас* — анъанага кўра Асиядаги биринчи масиҳий шаҳид.

2:14 *Балом* — Мўаб ва Мидиён халқлари билан қилган ҳамкорлиги учун Балом Исроил халқининг душмани ҳисобланган эди (Саҳрода 25:1-5, 16-18, 31:16, Ёшуа 13:22, 24:9-10, Яҳудо 11–оятга қаранг).

2:15 *николасчилар* — шу бобнинг 6–ояти изоҳига қаранг.

2:17 *пинҳон сақланган манна* — Забур 77:24 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг. Яна Юҳанно 6:32-58 га қаранг.

2:17 *оқ тош* — рамзий маънони ифодалаб, Қўзининг тўй зиёфатига кириш ҳуқуқини берадиган таклифнома (19:9 га ва Луқо 13:29 га қаранг).

2:20 *Изабел* — Эски Аҳдда Исроил шоҳи Ахабнинг бутпараст ва ёвуз хотини (3 Шоҳлар 16:30-31, 21:23-25, 4 Шоҳлар 9:22 га қаранг). Бу ўринда хулқ–атвори Изабелникига ўхшаган жамоатдаги бир аёл назарда тутилган бўлса керак. Эҳтимол, бу аёл николасчилар мазҳабининг аъзоси бўлгандир (шу бобнинг 6–ояти изоҳига қаранг).

2:23 *издошлари* — юнонча матнда *фарзандлари*. “Фарзандлари” деганда муаллиф Изабелнинг издошларини назарда тутган бўлиши мумкин.

2:24 *«шайтоннинг сирлари»* — ўша Изабел деб аталган аёл ўргатаётган бир таълимотга ишора бўлса керак. Баъзи мазҳабларнинг аъзолари, имонлиларнинг руҳий ҳаёти уларнинг ўз таналарида қилган ишларига алоқадор эмас, деб ўргатарди. Уларнинг таълимоти бўйича, иноятни тўлиқроқ тушуниш ва ёвузни енгиш учун имонлилар шайтон ҳақида чуқурроқ ўрганишлари, ҳатто бутпарастларнинг удумлари ва маросимларига қўшилишлари керак эмиш.

2:27 *Улар...парчалашади* — Забур 2:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

2:28 *тонг юлдузи* — зуҳра юлдузига ишора бўлиши мумкин. Бу юлдуз ғалаба ва ҳукмронлик рамзи эди.

3:1 *жамоатининг фариштаси* — 1:20 изоҳига қаранг.

3:2 *Имонини сақлаб қолганлар* — шу бобнинг 4–оятига қаранг.

3:5 *ҳаёт китоби* — Худо Ўзига тегишли бўлганларнинг исмларини ёзиб қўйган китоб (20:11-15 га қаранг).

3:7 *Шоҳ Довуднинг калити* — шоҳ Довуд авлодидан бўлган Исонинг Масиҳ сифатидаги ҳокимиятига ишора. Исо бу ҳокимияти билан Унга ишонганларнинг ҳаммасига Худонинг Шоҳлиги дарвозасини очиб беришга қодир.

3:9 *Улар ўзларини Худонинг халқи деб атайдилар…улар Худонинг халқи эмаслар* — юнонча матнда *Улар ўзларини яҳудий деб атаганлар…улар яҳудий эмаслар* (2:9 нинг иккинчи изоҳига қаранг).

3:14 *Худо яратган борлиқнинг Асосчиси* — Юҳанно 1:3, Колосаликлар 1:15-17 га қаранг.

3:14 *Омин* — бу ўринда унвон бўлиб, маъноси *ишончли, ҳақ*.

3:15 *на совуқ ва на иссиқсан* — Лаодикия шаҳри ўз сувлари билан машҳур бўлган Гиераполис ва Колоса шаҳарлари орасида жойлашган эди. Гиераполис шаҳри шимол томонда, тиббиётда ишлатилган иссиқ булоқ сувлари билан машҳур бўлган. Колоса шаҳри эса жануби–шарқ томонда, ўзининг тоза, муздай сувлари билан машҳур бўлган. Лаодикиянинг ўзида яхши сув манбаи йўқ эди. Исо Масиҳ мана шуларни назарда тутиб, Лаодикия шаҳридаги имонлиларни огоҳлантиряпти. Уларнинг руҳий ҳаёти на совуқ сувга, на иссиқ сувга ўхшарди, бемаза или–милиқ сувдай бўлиб қолганди. Улар атрофидагиларга ёрдам бермас эдилар, бошқаларга фойдалари тегмас эди.

3:18 *…олтинни…оқ кийим…кўзларингга суртадиган малҳамни…* — кинояли томони шундаки, мана шу уч нарса Лаодикия аҳолисининг фахри бўлган. Уларнинг шаҳри ўз бойлиги, газмол ишлаб чиқариш саноати ва дунёга кенг тарқалган кўзга шифо берадиган малҳами билан машҳур эди.

5:1 *ўрама қоғоз* — қадимги пайтларда китоблар ўрама шаклда бўлган.

5:5 *Яҳудо қабиласидан бўлган Шер — Довуд уруғидан чиққан Зот* — яъни Масиҳ бўлган Исо (Ибтидо 49:9-10, Ишаё 11:1, 10 га қаранг).

5:14 *сажда қилдилар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *то абад барҳаёт Зотга сажда қилдилар*.

6:6 *бир кунлик иш ҳақи* — юнонча матнда *динор*, Рим кумуш тангаси. Бир динор мардикорнинг бир кунлик иш ҳақи эди. Дон танқислиги сабабли, шу қадар қиммат бўлишига ишора.

6:6 *бир коса…уч коса* — юнонча матнда *хиникс…уч хиникс*, тахминан 1 литрга ва 3 литрга тўғри келади.

7:9 *пальма дарахти шохлари* — ҳаёт ва нажот рамзи бўлиб, ғолиб лашкарбошига ёки шоҳга ҳурмат–эҳтиром кўрсатишда фойдаланилган.

8:11 *Эрман* — таъми аччиқ ўсимлик, кулфат ва қайғу рамзи.

8:13 *бургут* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *фаришта*.

9:1 *юлдуз* — мажозий маънода фариштага ишора (20:1 га қаранг).

9:3 *чигирткалар* — ҳақиқий чигирткалар эмас, чигирткага ўхшаган бир мавжудот. Чигирткалар баъзан тўда–тўда бўлиб келиб, далалардаги ҳосилга катта зарар етказадиган ҳашарот. Улар катта талафот тимсоли эди, шунинг учун мажозий маънода катта лашкарга ишора қилади.

9:4 *Худонинг муҳри* — 7:1-8 га қаранг.

9:13 *олтин қурбонгоҳнинг тўртта шохи* — қурбонгоҳнинг тепасидаги тўрт бурчагидан тўртта шох бўртиб чиққан эди. Луғатдаги ҚУРБОНГОҲ сўзи остида берилган ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ иборасига ишланган расмга қаранг.

10:2 *ўрама қоғоз* — 5:1 изоҳига қаранг.

11:2 *муқаддас шаҳар* — яъни Қуддус.

11:3 *...қанор кийиб...* — қанор дағал қорамтир мато бўлиб, эчки ёки туя жунидан тўқилган ва кўпинча пайғамбарлар кийган. Қанор кийиб олиш умидсизликни ва қайғули ҳолатни ифодалайди. Кўпинча бу ҳаракат Худодан кечирим сўраб ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш билан биргаликда амалга оширилган.

11:3 *1260 кун* — яъни 42 ой ёки уч ярим йил.

11:7 *тубсиз чуқурликдан чиққан бир махлуқ* — 13:1-7 га қаранг.

11:8 *буюк шаҳар* — Бобилга ишора. Ваҳий китобида Бобил номи Масиҳ ва Унинг Шоҳлигига қарши чиққан душманларининг тимсолидир (14:8 изоҳига қаранг). Исо ўша шаҳарда, яъни ҳозир шайтон ҳукмронлиги остида бўлган бу дунёда хочга михланган.

11:8 *Садўм ва Миср* — Садўм ўз ахлоқсизлиги билан танилган шаҳар эди (Ибтидо 19:4-13 га қаранг). Миср эса Худонинг халқига зулм ўтказган, уларни қул қилган юрт эди (Чиқиш 1:8-14, 3:7 га қаранг). Масиҳга ва Унинг Шоҳлигига қарши чиққан душманларга мос келадиган номлар.

11:17 *...ҳозир ҳам борсан* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ҳозир ҳам борсан, келажакда ҳам бор бўласан*.

11:19 *...Худонинг Аҳд сандиғи кўринди* — бу сандиқ Худонинг Ўз халқи билан тузган аҳдига содиқ қолганини билдиради. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги АҲД сўзига ва АҲД САНДИҒИ иборасига қаранг.

12:5 *...барча халқларни темир хивчин билан бошқарадиган...* — Забур 2:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

12:7 *Микойил* — бош фаришталардан бири. Дониёр 10:12-13, 20-21, 12:1 га қаранг.

12:14 *уч ярим йил* — юнонча матндан сўзма–сўз таржимаси *бир муддат, муддатлар ва ярим муддат* (баъзан *муддат* сўзи бир йилга нисбатан ишлатилган). Уч ярим йил 1260 кунга тўғри келади (шу бобнинг 6–оятига қаранг).

13:1 *Аждарҳо...турди* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Мен...турдим*.

13:8 *ҳаёт китоби* — 3:5 изоҳига қаранг.

13:8 *Уларнинг исмлари...дунё яратилишидан олдин ёзилмаган* — ёки *Бу одамларнинг исмлари дунё яратилишидан олдин бўғизланган Қўзининг ҳаёт китобига ёзилмаган*. Аммо 17:8 оятда бу одамларнинг исмлари “дунё яратилишидан олдин ҳаёт китобига ёзилмаган” деб айтилади. Шунинг учун ушбу оятда 17:8 оятга мос келадиган маъно берилган.

13:10 *Баъзилар...қиличдан ўтказилади* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Кимки бошқаларни асирликка олса, ўзи асирликка тушар. Кимки қиличдан ўтказса, ўзи қиличдан ўтказилар*.

13:18 *Унинг сони 666* — махлуқнинг номини ифодалайдиган сонлар қўшилганда

мана шу сон келиб чиқса керак. Иброний ва юнон алифбесининг ҳар бир ҳарфи маълум бир сонни ифодалайди. 6 сони муваффақиятсизлик, қусур ва ёвузлик тимсоли эди (баркамоллик тимсоли бўлган 7 сонидан битта кам). Учта 6 сонининг ёнма–ён келиши муваффақиятсизлик, қусур ва ёвузлик маъносини ғоят кучайтиради.

14:1 *Сион тоғи* — Қуддусдаги Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталган. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги СИОН сўзига қаранг.

14:4 *...бокира қизлардай ўзларини пок сақлаганлар* — мажозий маънони ифодалаб, улар Худога содиқ эканликларини, бошқа ҳеч кимга ва ҳеч нарсага сажда қилмаганларини кўрсатади.

14:5 *...улар бенуқсондирлар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *Худонинг тахти олдида улар бенуқсондирлар*.

14:8 *Бобил шаҳри* — Эски Аҳд даврида жаҳондаги энг қудратли империянинг пойтахти бўлган. Бу шаҳар мағрурлиги (Дониёр 4:27 га қаранг) ва ахлоқсизлиги билан ном чиқарган эди. У Худонинг халқига душман бўлган (милоддан олдинги 586 йилда Бобил шоҳи Навухадназар Қуддусни вайрон қилиб, аҳолининг асосий қисмини Бобилга сургун қилган, 4 Шоҳлар 25:1-21 га қаранг). Ушбу китоб ёзилган пайтда имонлилар Бобил номини баъзан Римга нисбатан ишлатар эдилар. Рим ўша даврда ҳукмрон бўлган империянинг пойтахти бўлиб, бутпарастлик ва ахлоқсизлик ўчоғи эди. Ваҳий китобида Бобил номи Масиҳ ва Унинг Шоҳлигига қарши чиққан душманларининг тимсоли бўлиб, ҳозирги пайтда шайтоннинг ҳукмронлиги остида бўлган бу дунёни билдиради. Яна 17:1-6, 19:2 га қаранг.

14:14 *инсон қиёфасидаги бир Зот* — Исо Масиҳга ишора. Дониёр 7:13-14 га қаранг.

14:19 *чуқур* — қадимги пайтларда одамлар узумни қоятошга ўйилган чуқурга ёки тупроқдан қазилган, тубига ва атрофига зич қилиб тош терилган чуқурга солиб, шарбатини сиқиб олиш учун оёқлари билан эзардилар. Шарбат ўша чуқурдан яна бошқа бир чуқурга оқиб тушарди. Узум эзиш Муқаддас Китобда кўпинча Худонинг одамлар устидан чиқарадиган ҳукмига нисбатан кўчма маънода ишлатилган.

14:20 *1600 ўқ отими* — юнонча матнда *1600 стадион*, тахминан 300 километрга тўғри келади. Чамаси, 1600 сони рамзий маънода ишлатилган бўлиб, Худонинг ҳукми дунёнинг тўрт бурчига етиб боришини кўрсатади.

15:2 *номини билдирган сон* — 13:18 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

15:3 *Мусонинг ва Қўзининг қўшиғини* — бу қўшиқ Чиқиш 15:1-18 даги қўшиқнинг анча қисқарган варианти.

15:5 *Маъбаднинг Энг муқаддас хонаси* — Маъбаднинг энг ичкари хонаси. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА иборасига қаранг.

16:13 *сохта пайғамбар* — 13:11-17 да айтиб ўтилган иккинчи махлуқ назарда тутилган.

16:19 *Бобил шаҳри* — 14:8 изоҳига қаранг.

16:21 *икки пуд* — юнонча матнда *бир талант*, тахминан 34 килога тўғри келади.

17:1 *Фоҳиша тимсолидаги бу буюк шаҳар...* — Бобилга ишора (14:8 изоҳига

қаранг). 21:9 да худди шу фаришта Юҳаннога Қўзининг келинчагини кўрсатади. Келинчак Бобил ва шайтон шоҳлигига зид бўлган Қуддус ва Худо Шоҳлигининг тимсолидир.

17:1 *...сероб сувлар бўйида жойлашган* — Еремиё 51:13 га қаранг. Қадимий Бобил шаҳри Фурот дарёси бўйида жойлашган бўлиб, мураккаб ва кенг тармоқли суғориш тизимига эга эди. Бу суғориш тизими шаҳар атрофидаги ҳудудларни сув билан таъминлаган. Бобилнинг суғориш тизими бу ўринда унинг бутун дунёга кўрсатадиган таъсирининг тимсолидир (шу бобнинг 2, 15–оятларига қаранг).

17:3 *махлуқ* — 13:1-7 га қаранг.

17:8 *ҳаёт китоби* — 3:5 изоҳига қаранг.

18:2 *Бобил* — 14:8 изоҳига қаранг.

18:13 *мирра* — маълум бир дарахтларнинг қотган елимидан тайёрланган қимматбаҳо хушбўй модда.

19:3 *Бобил* — 14:8 изоҳига қаранг.

19:15 *...темир хивчин билан уларни бошқаради* — Забур 2:9 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

19:15 *чуқур* — 14:19 изоҳига қаранг.

19:20 *сохта пайғамбар* — 13:11-17 да айтиб ўтилган иккинчи махлуқ назарда тутилган.

20:4 *Худо...оқлаган эди* — ёки *Худо тахтларда ўтирганларга ҳукм этиш ҳуқуқини берган эди* ёхуд *Худо тахтларда ўтирганларга ҳукмронлик ҳуқуқини берган эди*. Аммо Дониёр 7:22 га ҳам қаранг.

20:5-6 *Иккинчи ўлим* — шу бобнинг 11-14–оятларига ва 14–оятнинг изоҳига қаранг.

20:7 *Гўг ва Магўг* — рамзий номлар. Бу номлар охирги марта Худонинг халқига ҳужум қилиш учун йиғиладиган дунё халқларига ишора қилади.

20:8 *Худо яхши кўрадиган шаҳар* — яъни Қуддус.

20:10 *сохта пайғамбар* — 13:11-17 да айтиб ўтилган иккинчи махлуқ назарда тутилган.

20:12 *Ҳаёт китоби* — Худо Ўзига тегишли бўлганларнинг исмларини ёзиб қўйган китоб.

20:13 *ўликлар диёри* — яҳудийлар бу жойни, ер остидаги тубсиз чуқурлик, марҳумлар борадиган қоронғи жой, деб тушунарди.

20:14 *иккинчи ўлим* — дўзахга, Худодан то абад ажралишга ишора. Биринчи ўлим инсоннинг жисмоний ўлимидир.

21:6 *Ибтидо ва Интиҳо* — юнонча матнда *Алфа ва Омега*, яъни юнон алифбесининг биринчи ва сўнгги ҳарфлари.

21:8 *иккинчи ўлим* — дўзахга, Худодан то абад ажралишга ишора. Биринчи ўлим инсоннинг жисмоний ўлимидир.

21:16 *12.000 ўқ отими* — юнонча матнда *12.000 стадион*, тахминан 2250 километрга тўғри келади. Бу шаҳар катта куб шаклида тасвирланган, бу тимсол унинг катталигига, баркамоллигига ва чиройига ишора қилади.

21:17 *баландлиги* — ёки *қалинлиги*.

21:17 *144 тирсак* — тахминан 65 метрга тўғри келади.

21:19 *турли қимматбаҳо тошлар* — юнонча матнда айтиб ўтилган баъзи қимматбаҳо тошларнинг тури баҳсли.

21:27 *ҳаёт китоби* — 3:5 изоҳига қаранг.

22:13 *Ибтидо ва Интиҳо* — юнонча матнда *Алфа ва Омега*, яъни юнон алифбесининг биринчи ва сўнгги ҳарфлари.

22:14 *Либосларини ювганлар* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *унинг амрларига бўйсунганлар*.

22:16 *Довуд илдизидан чиққан Зот* — Ишаё 11:1 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

22:17 *Ушбу башорат сўзларни тинглаётган киши…* — 1:3 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

22:19 *…ўша кишини бу китобда ёзилган ҳаёт дарахтидан ва муқаддас шаҳардан бенасиб қилади* — юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида *ўша кишини ҳаёт китобидан, муқаддас шаҳардан ва мазкур китобда ёзилган нарсалардан бенасиб қилади*.

22:21 Юнонча матндан. Баъзи юнон қўлёзмаларида қуйидаги сўз оятга қўшимча қилинган: *омин*.

ИЗОҲЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Изоҳлар китобхонга Муқаддас Китоб матнини яхшироқ тушунишга ёрдам бериш мақсадида тузилган. Изоҳларда қадимги Яқин Шарқ ва унга қўшни давлатларнинг тарихига, маданиятига, географик жойлашувига, саналарга ва вақт тизимига оид маълумотлар киритилган, Муқаддас Китобнинг муайян матни мазмунига мос келадиган айрим оятлар манзили берилган. Шунингдек, қадимги ўлчов бирликларининг замонавий эквивалентлари ҳам изоҳланган. Муқаддас Китобда кўп учрайдиган муҳим сўзлар ёки номлар ҳақидаги маълумот эса китобнинг луғат қисмида ўз аксини топган. Айрим ҳолларда бундай сўзлар ёки номлар учун изоҳ қисқа берилган бўлиб, тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатга қаранг, деб ёзилган.

Муқаддас Китобнинг асл матни қадимги иброний ва юнон тилларида ёзилгани учун, баъзан матндаги оятларнинг маъносини тушуниш мураккаблик туғдиради. Маъноси ноаниқ бўлган ана шундай оят учраганда ва олимлар ўша оятни қандай таржима қилиш кераклиги ҳақида бир тўхтамга кела олмаган ҳолларда ҳам оятга изоҳ берилган. Таржимонлар гуруҳи бундай оятларни диққат билан ўрганиб чиқиб, мазмуни контекстга мос келадиган таржимадан фойдаланганлар. Айрим ҳолларда матндаги маълум бир сўзнинг ёки иборанинг қўшимча маънолари ёки бошқа варианти изоҳда кўрсатиб ўтилган. Ўзбек тилидаги мазкур таржима учун асос бўлган Эски ва Янги Аҳднинг асл матнлари ҳақида қўшимча маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИБРОНИЙЧА МАТН ва ЮНОНЧА МАТН ибораларига қаранг. Ўша ўринларда Эски ва Янги Аҳд матнининг тарихи ҳақида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, олимлар асл матн маъносини тушунишлари учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган қайси қадимий қўлёзмалардан фойдаланганлари ҳақида ёзилган.

Изоҳ берилган сўзлар ёки иборалар матнда юлдузча (*) билан белгиланган. Ҳар бир китоб таркибидаги изоҳланаётган сўз ва иборалар мазкур қисмда ўша китоб номи остида келтирилган. Изоҳларнинг аксарияти қуйидаги намуна асосида берилган:

7:20 *ўн беш тирсак* — тахминан 7 метрга тўғри келади.

7:20 — бу рақамлар изоҳланаётган сўз ёки иборанинг манзилини, яъни биринчи рақам бобини, иккинчи рақам оятини билдиради. Масалан, 7–боб, 20–оят.

ўн беш тирсак — тиредан олдинги курсив шаклида берилган бу сингари сўз ёки иборалар Муқаддас Китоб матнидан олинган бўлиб, изоҳланадиган қисмни ташкил қилади.

тахминан 7 метрга тўғри келади — изоҳда тиредан кейин келган бу сингари жумлалар изоҳ матнини ташкил қилади.

Муқаддас Китоб таркибидаги ҳар бир китобнинг кириш қисмидаги изоҳларга боб ва оят рақами қўйилмаган. Бундай изоҳлар ўша китобга берилган изоҳлар рўйхатининг бошида келади.

Забур китобининг айрим сарлавҳалари санолар бошида келгани учун, бош сарлавҳаларга берилган изоҳларда фақат санонинг тартиб рақами кўрсатилган. Бундай сарлавҳаларнинг оят рақами йўқ (мисол учун, 31–санога берилган изоҳга қаранг).

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Муқаддас Китоб таркибига кирган қуйидаги бешта қисқа китоб: Ободиё, Филимўн, 2 Юҳанно, 3 Юҳанно ва Яҳудо китоблари бобларга бўлинмагани боис, бу китобларга берилган изоҳларда фақат оят рақами кўрсатилган.

Янги Аҳд муаллифи Эски Аҳддан иқтибос келтирганда, юлдузча (*) иқтибосдан кейин қўйилган. Бундай ҳолларда иқтибос изоҳ бошида берилмаган, балки иқтибос Эски Аҳднинг қайси оятларидан олингани кўрсатиб ўтилган. Мисол учун, Матто китобига берилган қуйидаги намунага эътибор беринг:

2:6 Михо 5:2 га қаранг.

Янги Аҳдда Эски Аҳддан келтирилган иқтибослар иброний тилидаги Эски Аҳднинг асл матнидан таржима қилинмаган, балки Янги Аҳд муаллифининг юнон тилида ёзилган сўзларидан олинган. Янги Аҳд муаллифлари Эски Аҳддан иқтибослар келтирганларида, баъзан уларни сўзма–сўз эмас, балки фақат керакли қисмларини олиб, матн маъносига мос равишда ишлатганлар. Шу боис Янги Аҳддаги баъзи иқтибослар Эски Аҳд матнидагидан бироз фарқ қилади.

Қуйида изоҳлардаги рақамларга ҳамда кўп такрорланадиган сўзлар ва ибораларга тушунтиришлар берилган. Изоҳларни тўғри тушунишингиз учун қуйидаги намуналарни диққат билан ўқиб чиқинг:

6:1 — маълум бир китобнинг 6–бобини ва 1–оятини билдиради. Агар рақамлар бошида китоб номи берилмаган бўлса, изоҳ билан таъминланаётган китоб назарда тутилган. Агар рақамлар бошида маълум бир китоб номи берилган бўлса, шу китобнинг боби ва ояти назарда тутилган. Мисол учун, Ҳикматлар 1:7 деганда “Сулаймоннинг ҳикматлари” китобининг 1–боби, 7–ояти назарда тутилади.

6:1 га қаранг — изоҳ билан таъминланаётган китобнинг 6–боби 1–оятига қаранг деган маъно англашилади.

6:1, 5, 9, 18:4-7 га ва Чиқиш 2:9 га қаранг — изоҳ билан таъминланаётган китобнинг 6–боби 1, 5 ва 9–оятларига, 18–бобнинг 4–оятидан 7–оятигача ва Чиқиш китобининг 2–боби 9–оятига қаранг, деган маъно англашилади. Эслатма: боб рақамидан кейин доимо икки нуқта (:) қўйилади ёки “–боб” тарзида ёзилади. Шунинг учун юқоридаги 6:1, 5, 9 мисолида 1, 5 ва 9 сонлари оят рақамини билдиради.

24:7 изоҳига қаранг — изоҳ билан таъминланаётган китобнинг 24–боби 7–оятига берилган изоҳга қаранг, деган маъно англашилади.

12:8 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг — изоҳ билан таъминланаётган китобнинг 12–боби 8–оятига ва ўша оятга берилган изоҳга қаранг, деган маъно англашилади.

16:7-14 оятларга ва 16:14 изоҳига қаранг — изоҳ билан таъминланаётган китобнинг 16–боби 7–оятидан 14–оятигача ва шу китобнинг 16–боби 14–оятига берилган изоҳга қаранг, деган маъно англашилади.

тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИСРОИЛ сўзига қаранг — бу каби изоҳларда Муқаддас Китобга илова қилинган луғат назарда тутилган.

ибронийча матн — Эски Аҳднинг асл матни бўлиб, ўзбек тилига қилинган мазкур таржима ушбу ибронийча матнга асосланган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

орамийча матн — Эски Аҳднинг айрим қисмлари орамий тилида ёзилгани боис, орамийча матн ўша қисмларнинг асл матни ҳисобланади. Ўзбек тилига қилинган мазкур қисмлар таржимаси ушбу орамийча матнга асосланган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ОРАМИЙЧА сўзига ва ОРАМИЙЧА

МАТН иборасига қаранг.

иброний қўлёзмалари, қумрон қўлёзмалари, қадимий юнонча таржима, қадимий сурёнийча таржима, қадимий лотинча таржима — Эски Аҳднинг қадимда кўчирилган нусхалари ва таржималари. Ибронийча асл матннинг маъноси ноаниқ бўлган ўринларда олимлар матн маъносини тўлиқ тушунишлари учун ушбу қўлёзмалар ва таржималардан фойдаланадилар. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ИБРОНИЙЧА МАТН ибораси остида берилган ИБРОНИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ, ҚУМРОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ва ҚАДИМИЙ ТАРЖИМАЛАР ибораларига қаранг.

юнонча матн — Янги Аҳднинг асл матни бўлиб, ўзбек тилига қилинган мазкур таржима ушбу юнонча матнга асосланган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЮНОНЧА МАТН иборасига қаранг.

юнонча қўлёзмалар — Янги Аҳднинг қадимда кўчирилган нусхалари. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЮНОНЧА МАТН остида берилган ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ иборасига қаранг.

…минг–минг авлодларига… — **ёки** *мингинчи авлодига* **ёхуд** *мингларига* — бундай ҳолларда “ёки” ва “ёхуд” сўзлари асл матн маъносини икки ёки ундан ҳам кўпроқ маъноларда тушуниш мумкинлигини билдиради. Китобхон мазкур таржимани бошқа таржималар билан солиштирганда, баъзи бир оятларнинг маъноси бошқача эканлигини пайқаши мумкин. Таржимадаги фарқлар, одатда, қуйидаги сабабларга кўра пайдо бўлган:

1) Асл матндаги сўз ёки ибора бир неча маънога эга, бу ҳолда таржимада сўзнинг ёки иборанинг маъноси матн контекстига кўра танланади.

2) Асл матнда баъзи архаик сўзлар ёки иборалар кам учрагани боис, олимлар уларнинг маъносини аниқ била олмайдилар.

3) Асл матнда айрим оятларнинг маъноси ноаниқ, эҳтимол, котиблар матнни кўчирганларида хатога йўл қўйганлари бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолда олимлар матнни бошқа қўлёзмалар билан солиштириб, унинг маъносини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Шунга қарамай, айрим ҳолларда эришилган натижа яна баҳсли бўлиб қолаверади. Баъзан бундай маълумот изоҳларда берилган бўлиб, китобхон муаммони тушунишига ёрдам беради. Кўп ҳолларда эса бунинг имкони йўқ, чунки муаммо ниҳоятда узун ва батафсил изоҳни талаб қилади. Китобхонларимиз Муқаддас Китобни чуқур ўрганмоқчи бўлсалар, бундай саволларга қониқарли жавоб топишлари учун Муқаддас Китоб бўйича тузилган шарҳларга, яъни комментарийларга мурожаат қилишлари мумкин.

“…Байт–Хагон шаҳрига қараб қочди… — **ёки** *боғдаги уйнинг йўлидан қочди.”* — бу ҳолда “ёки” айирувчи боғловчисининг вазифаси шундан иборатки, асл матндаги бирор сўз ёки ибора атоқли отни ёки сифатдош оборотини билдиради. Матнга юқоридагидай изоҳ берилган бўлса, демак, олимлар бу масалада битта ечимга келмаганлар, яъни асл матнда атоқли от ишлатилганми ёки сифатдош обороти назарда тутилганми — аниқ эмас.

…бўлиши мумкин, …бўлса керак, баҳсли, чамаси, эҳтимол — изоҳларда бу каби сўзлар бор бўлса, демак, олимлар асл матндаги бирор масалада бир тўхтамга кела олмаганлар. Умид қиламизки, бундай ўринларда китобхонлар Муқаддас Китобни диққат билан ўқийдилар ва бошқаларнинг бу борадаги қарашларига ҳурмат билан ёндашадилар.

ибронийча матнда бу исмнинг бошқа варианти *Ёрам* — бу каби изоҳлар асл матндаги исм бошқача ёзилганини билдиради. Қадимда одамларнинг исмларини ва жойлар номларини турлича талаффуз қилишгани боис, улар бир

хил ёзилмаган. Баъзан исмларни ва номларни қисқартириб айтишган. Тушунмовчиликнинг олдини олиш учун, мазкур таржимада ҳар бир одамнинг исми ёки жойнинг номи матннинг бошқа ўринларидаги исм ёки ном билан бир хил қилиб берилган.

ибронийча матнда *Исроил*, Ёқубнинг яна бир исми — бу каби изоҳлар бирон одамнинг ёки жойнинг асл матнда бошқа номи ҳам борлигини билдиради. Баъзан одамларнинг ва жойларнинг иккита номи бўлган. Тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун, одатда, мазкур таржимада ўша номларнинг биттаси ишлатилган.

бу ўринда Павлус Ибтидо 3:17-19 ни назарда тутган — бу каби изоҳлар Янги Аҳд матни учун берилган бўлиб, муаллиф Эски Аҳднинг қайси оятлари ёки парчасига ишора қилаётганини кўрсатади. Бундай ўринларда муаллиф иқтибос келтирмаган, у фақат Эски Аҳд оятларидаги айрим калит сўзлар ва иборалардан фойдаланган ёки фикрини таъкидлаш учун Эски Аҳддаги оятларнинг умумий мазмунини айтиб ўтган, холос.

Муаллиф бу ўринда Ишаё 40:3 нинг қадимий юнонча таржимасидан фойдаланган — бу каби изоҳлар Янги Аҳд матни учун берилган бўлиб, муаллиф ёки сўзловчи иқтибосни Эски Аҳднинг қадимги юнон тилига қилинган таржимасидан келтирганини билдиради. Бундай изоҳлар Эски Аҳднинг юнон тилидаги таржимаси иброний тилидаги асл матндан бироз фарқ қилишини кўрсатади. Илк жамоатдаги масиҳийлар, асосан, юнон тилига таржима қилинган Эски Аҳд матнидан фойдаланганлар, чунки ўша даврда кўпчилик иброний тилини билмаган ва асл матнни ўқий олмаган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун луғатдаги ЮНОН ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ иборасига ва ИБРОНИЙЧА МАТН ибораси остида берилган ҚАДИМИЙ ТАРЖИМАЛАР иборасига қаранг.

ЛУҒАТ

Бу луғатда Муқаддас Китобда кўп учрайдиган муҳим ёки нотаниш сўзлар ва иборалар берилган. Кўпинча луғатда бирон сўз ёки иборанинг маъноси билан бир қаторда, ўша даврга хос тарихий ва маданий жараёнга оид маълумотлар ҳам берилган. Бу сўзлар ва ибораларга берилган шарҳлардан кейин келадиган изоҳларда Муқаддас Китобдаги оятларнинг манзили кўрсатилган. Бу оятлар китобхонга Муқаддас Китобда баён этилган таълимотларни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Китобхон айрим буюмларнинг тузилиши ва шаклини кўз олдига келтириб, тасаввур қила олиши учун, луғатда ўша буюмларнинг расмлари келтирилган.

Айрим ҳолларда умумий бир сўз остида бир нечта сўзлар ва уларнинг шарҳлари берилган. Масалан, БАЙРАМЛАР, ХУДОНИНГ НОМЛАРИ, ҚУРБОНЛИК. Бу умумий сўзлар остидаги сўзлар луғатдаги рўйхатда ҳам топилади. Аммо бу сўзнинг шарҳини топиш учун китобхон умумий сўз остида берилган сўзнинг шарҳига қараши керак. Масалан, луғатдаги АЙБ ҚУРБОНЛИГИ ибораси учун “ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг” деб ёзилган.

Луғатда яна синоним сўзлар ҳам учрайди. Бундай ҳолда бир сўзнинг маъноси иккинчи сўзнинг шарҳида берилиб, луғатда китобхонга ўша иккинчи синоним сўзнинг шаҳрига қарашга кўрсатма берилган. Масалан, луғатдаги МАЛАК сўзи учун “ФАРИШТА сўзига қаранг”, луғатдаги САНДИҚ сўзи учун “АҲД САНДИҒИ иборасига қаранг” деб ёзилган.

АБАДИЙ ҲАЁТ

Муқаддас Китобда абадий ҳаёт нафақат вақтнинг давомийлигини, балки ҳаётнинг мазмунини, яъни Худо билан уйғунликда яшашни, Унинг марҳамати ва баракаларидан баҳраманд бўлишни билдиради. Эски Аҳднинг баъзи парчаларида солиҳлар Худо билан абадий яшашлари ҳақида ёзилган, айрим ҳоллардагина ўликларнинг тирилиши ҳақида айтиб ўтилган[1]. Янги Аҳдда абадий ҳаёт нима эканлиги кенгроқ очиб берилган. Инсоннинг танаси ўлса ҳам, руҳи ўлмайди[2]. Исо Масиҳга ва Уни юборган Худога ишонган инсон абадий ҳаётга эга бўлади[3]. Бундай инсон учун абадий ҳаёт шу дунёда яшаётганидаёқ бошланади[4]. У ўлса ҳам охиратда тирилади ва ундан кейин ҳеч қачон ўлмайди[5]. Қиёмат куни Худо солиҳларга абадий ҳаётни мукофот қилиб беради[6], улар жаннатда яшаб, бу дунёдаги барча ёвузлигу қабиҳликлардан озод бўладилар[7]. Фосиқларга эса абадий жазо берилади, улар то абад Худодан ажраладилар[8].

[1] Забур 15:9-11, 22:6, 132:3, Аюб 19:25-26, Ишаё 26:19, Дониёр 12:2, Луқо 20:37-38 [2] Луқо 16:22-23, 23:42-43, 2 Коринфликлар 4:16-18, 5:1-2, 6-8, Филиппиликлар 1:21-23 [3] Юҳанно 3:15-16, 36, 5:24, 6:40, 10:27-28, 1 Юҳанно 5:13 [4] Эфесликлар 2:4-6 [5] 1 Коринфликлар 15:42-44, 50-54 [6] Матто 5:12, 25:34, 46, 1 Бутрус 1:4, Филиппиликлар 3:13-14, Ибронийлар 12:22-24 [7] Ваҳий 21:1-4, 22:1-5 [8] Матто 25:41, 46, Юҳанно 5:28-29, Ваҳий 20:11-15

АЙБ ҚУРБОНЛИГИ

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

АМОР ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқларнинг орасидаги энг катта ва кучли халқлардан бири. Ўша пайтда Канъон юртида яшаган халқларнинг ҳаммасига нисбатан ҳам “Амор халқи” деган ибора қўлланилган. Шунинг учун ушбу таржиманинг баъзи жойларида “Амор халқлари” деб ҳам юритилган[1]. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

[1] Мисол учун, Ибтидо 15:16, Ёшуа 10:5, 2 Шоҳлар 21:2 га қаранг.

АРАВА

БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН АРАВАЛАР ёки ЖАНГ АРАВАСИ ибораларига қаранг.

АРФА

Торли мусиқа асбоби.



АСИРЛИК

СУРГУН сўзига қаранг.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

АШЕРА

Ашера Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган. Ашеранинг тасвирлари баланд устун шаклида бўлиб, ёғочдан ясалган эди. Унинг эркак жуфти Баал эди.

АШТАРЕТ

Аштарет Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик ва уруш худоси бўлиб, аёл қиёфасида тасаввур қилинган.

АҲД

Икки киши ёки икки гуруҳ орасида тузилган битим ёки келишув. Қадимги пайтларда одатда аҳд тузилганда, уни тасдиқлаш учун иккала томон онт ичарди, сўнгра қурбонлик қилинарди. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Худо бир неча марта аҳд тузган. Ҳар бир аҳдда берилган ваъдаларни ва қўйилган шартларни Худонинг Ўзи белгилаган. Жумладан, Худо Иброҳим билан аҳд тузиб, Иброҳимга ва унинг авлодига абадий барака беришни ваъда қилган[1]. Мана шу аҳд белгиси сифатида Иброҳим ва унинг авлоди суннат қилиниши керак бўлган[2]. Худо кейинчалик Мусо пайғамбар орқали Иброҳимнинг авлоди, яъни Исроил халқи билан аҳд тузади[3]. Ўша аҳдда Худонинг амрлари ва қонунлари батафсил берилган. Бу амрларга ва қонунларга риоя қилган инсонларга Худо: “Мен сизларни Ўзимнинг халқим қиламан, сизларнинг Худойингиз бўламан”, деб махсус ваъда берган. Аммо бу амрларни ва қонунларни бузган одамларни Худо жазолаган. Худонинг Ўз халқи Исроил билан бўлган муносабати мана шу аҳдга асосланган боис, Эски Аҳдда баён қилинган аксарият воқеалар ва Исроил халқининг тарихи шу муносабатлар ҳақида ҳикоя қилади. Исроил халқи Худога қайта–қайта бевафолик қилгани учун, Унинг амрларига бўйсунмагани учун ўз ватанидан сургун қилинган[4]. Бироқ Худо: “Шундай кунлар келадики, Мен Исроил халқи билан янги аҳд тузаман”, деб Ўз пайғамбарлари орқали ваъда берган[5].

Худо янги аҳдни бутун инсоният билан Исо Масиҳ орқали тузди. Исо Масиҳ бутун одамзоднинг гуноҳини Ўз бўйнига олиб, хочдаги ўлими орқали янги аҳдни кучга киритди[6]. Исо Ўзини қурбон қилгани ва дунёни Худо билан яраштиргани Янги Аҳднинг асосий мавзусидир. Энди ҳар бир инсон, миллатидан қатъий назар, Исо Масиҳга ишонса ва гуноҳларидан тавба қилса, унинг гуноҳлари кечирилади, бу инсон Худонинг халқига тегишли бўлади.

[1] Ибтидо 15:1-21, 17:1-27 [2] Ибтидо 17:9-14 [3] Чиқиш 19:1-20:21, 24:1-18 [4] 4 Шоҳлар 17:5-23, 2 Солномалар 36:13-21, Дониёр 9:3-14 [5] Еремиё 31:31-34, 32:39-40, Ҳизқиёл 11:19-20, 36:26-27 [6] Матто 26:27-28, Ибронийлар 8:6-13, 9:11-17

АҲД САНДИҒИ

Усти ва ичи олтин билан қопланган ёғоч сандиқ[1]. Аҳд сандиғида иккита тош лавҳа сақланарди. Худо бу тош лавҳаларни Синай тоғида Мусога Исроил халқи учун берган эди. Тош лавҳаларга ўнта амр ёзилган бўлиб, бу амрлар Худо билан Унинг халқи ўртасида тузилган аҳд эди. Шу сабабдан бу сандиқ кўпинча Аҳд сандиғи деб айтилган. Аҳд сандиғининг қопқоғи устида каруб деган мавжудотнинг иккита ҳайкали бор эди. Карублар бир–бирига юзма–юз турган бўлиб, уларнинг қанотлари қопқоқнинг устини беркитиб турарди. Аҳд сандиғи — Худо Ўз халқи орасида эканлигининг рамзи эди. Исроил халқи саҳрода кезиб юрганда Аҳд сандиғи Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасида сақланар эди. Кейинчалик Аҳд сандиғи Қуддусдаги Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига қўйилган.

[1] Чиқиш 37:1-9



АҲД САНДИҒИНИНГ ҚОПҚОҒИ

Аҳд сандиғининг қопқоғи тоза олтиндан ясалган эди. Қопқоқ устида каруб деган мавжудотнинг иккита ҳайкали бор эди. Карублар бир–бирига юзма–юз турган бўлиб, уларнинг қанотлари қопқоқнинг устини беркитиб турарди[1]. Олий руҳоний бир йилда бир марта — Покланиш кунида махсус қурбонликлар келтириб, қопқоқ устидаги икки каруб орасига қурбонлик қонидан

сачратар эди. Бундан мақсад Энг муқаддас хонани Исроил халқининг нопокликларидан, итоатсизликларидан ва гуноҳларидан поклаш эди[2].

[1] Чиқиш 37:6-9 [2] Левилар 16–боб

АҲМОҚ, НОДОН

Эски Аҳдда “аҳмоқ” ва “нодон” сўзлари ахлоқсиз одамларга ишора қилади. Бундай одамлар Худони севмайдилар ва Унга ишонмайдилар[1]. Уларда солиҳ яшашга ундайдиган донолик йўқ, шунинг учун улар ҳалокату ўлимга етаклайдиган қарорлар чиқаради[2].

[1] Забур 13:1, 52:2, Ҳикматлар 1:7 [2] Ҳикматлар 1:20-33, 19:3, Воиз 7:17

БААЛ

Баал Канъондаги халқлар сажда қилган ҳосилдорлик худоси бўлиб, эркак қиёфасида тасаввур қилинган. Унинг аёл жуфти Ашера бўлган. Канъонликлар, Баал энг кучли худо, деб ишонганлар. Баал сўзи *хўжайин* деган маънони билдириб, баъзан эркаклар исмига қўшиб ишлатилган. Айрим ҳолларда шаҳар ёки жой номларига ҳам қўшилган. Эҳтимол, Баал сўзи қўшиб номланган ўша ерларда Баалнинг тасвири бўлган ёки Баалга алоҳида усул билан сажда қилинган.

БАЙРАМЛАР

Муқаддас Китобда Исроил халқи нишонлаган бир нечта муҳим байрамлар айтиб ўтилган. Қуйида бу байрамларнинг ҳар бири ҳақида маълумот берилади:

ФИСИҲ ЗИЁФАТИ

Бу зиёфат иброний календарининг биринчи ойи — Абиб ойининг ўн тўртинчи куни кечқурун нишонланган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой мартнинг ўртасидан бошланади. Худо Исроил халқини Мисрдаги қулликдан қандай қилиб озод қилганини улар Фисиҳ зиёфатида хотирлаганлар. Ҳар бир хонадон бир қўзи ёки улоқчани қурбонлик қилиб, Фисиҳ зиёфати муносабати билан таом тайёрлаган. Хонадон аъзолари қурбонлик таомини бирга тановул қилишган. Бу таомга қўшиб тахир ўтлар ва хамиртурушсиз нон ҳам ейилган. Фисиҳ зиёфатининг ибронийча номи — *Песах*. Зиёфатнинг “Фисиҳ” деган ўзбекча номи *Песах*дан олинган. Чиқиш 12:1-13, 21-51, Левилар 23:5, Саҳрода 9:1-14, Қонунлар 16:1-7 га қаранг.

ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг биринчи ойи — Абиб ойининг 15-21 кунларида, етти кун давомида нишонланган (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой мартнинг ўртасидан бошланади. Исроил халқи ўша етти кун давомида Худо уларни Мисрдан шошилинч олиб чиққанини хотирлаганлар. Одамлар уйларидаги бор хамиртурушни олиб чиқиб ташлаганлар. Етти кун давомида хамиртурушли нон ейилмаган. Одамлар байрамнинг биринчи ва еттинчи кунларида муқаддас йиғин ўтказганлар, Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Хамиртурушсиз нон байрамининг ибронийча номи — *Матсот*. Бу байрам Фисиҳ зиёфатидан бир кун кейин бошланган. Шунинг учун Янги Аҳддаги баъзи парчаларда Фисиҳ зиёфати ва Хамиртурушсиз нон байрами “Фисиҳ байрами” деб номланган[1]. Чиқиш 12:14-20, 13:3-10, 23:15, 34:18, Левилар 23:6-8, Саҳрода 28:17-25, Қонунлар 16:3-4, 8 га қаранг.

[1] Мисол учун, Луқо 22:1 га қаранг.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг учинчи ойи — Шавон ойининг олтинчи кунида нишонланган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой майнинг ўртасидан бошланади. Бу байрам буғдой ўрими бошланганда нишонланарди. Бу кун Фисиҳ зиёфатидан кейин саккизинчи ҳафтанинг биринчи кунига — Фисиҳ зиёфатидан кейинги эллигинчи кунга тўғри келади. Исроил халқи бу кунда Худо ҳосилни баракали қилганини нишонлаган. Улар ҳар хил назр ва қурбонликлар келтирганлар, жумладан, янги буғдой ҳосилининг донини назр қилганлар. Бу байрамнинг ибронийча номи “Шавуот”, яъни “ҳафталар” деганидир. Шунинг учун бу байрам “Ҳафталар байрами” деб ҳам аталган. Янги Аҳдда бу байрамнинг юнонча номи “Пентекост”, яъни эллигинчи, деб аталган. Чиқиш 23:16, 34:22, Левилар 23:15-21, Саҳрода 28:26-31, Қонунлар 16:9-12 га қаранг.

КАРНАЙ БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг еттинчи ойи — Тишри ойининг биринчи кунида нишонланган (Тишри ойи Итаним ойи

деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой сентябрнинг ўртасидан бошланади. Карнай байрами куни Исроил халқи дам олиб, муқаддас йиғин ўтказган. Бу йиғинда бурғулар чалинган, Тавротда буюрилган қурбонликлар келтирилган. Левилар 23:23-25, Саҳрода 29:1-6 га қаранг.

ПОКЛАНИШ КУНИ

Бу байрам иброний календарининг еттинчи ойи — Тишри ойининг ўнинчи кунида нишонланган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой сентябрнинг ўртасидан бошланади. Покланиш куни Исроил халқи дам олиб, рўза тутган. Руҳонийлар ўзларини, халқни, Муқаддас чодирни, кейинчалик Маъбадни ва қурбонгоҳни поклаш учун Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Олий руҳоний эса Энг муқаддас хонага кириб, тутатқи тутатарди, Аҳд сандиғининг қопқоғига ва Сандиқнинг олдига қурбонлик қонини сачратарди. “Покланиш куни” байрамининг ибронийча номи — *Йом Киппур*. Левилар 16–боб, 23:26-32, Саҳрода 29:7-11 ва РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига қаранг.

ЧАЙЛА БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг еттинчи ойи — Тишри ойининг 15-21 кунларида нишонланган (Тишри ойи Итаним ойи деб ҳам аталади). Ҳозирги календарга кўра, бу ой сентябрнинг ўртасидан бошланади. Бу пайтда, куз ёмғири бошланмасдан олдин, ҳосил йиғиб олинган бўларди. Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин саҳро кезиб, чайлаларда яшаганини етти кун давомида хотирлаган. Шунингдек, улар Канъон юртидаги ҳосилни Худо баракали қилганини ҳам нишонлашганлар, Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирганлар. Улар етти кун давомида далалардаги чайлага ўхшаш чайлаларда яшаганлар. Чайла байрамининг ибронийча номи — *Суккот*. Бу байрам “Йиғим–терим байрами” деб ҳам аталган. Чиқиш 23:16, 34:22, Левилар 23:33-36, 39-43, Саҳрода 29:12-39, Қонунлар 16:13-15, Закариё 14:16-19 га қаранг.

ПУРИМ БАЙРАМИ

Бу байрам иброний календарининг ўн иккинчи ойи — Адар ойининг 14-15 кунларида нишонланган. Ҳозирги календарга кўра, бу ой февралнинг ўртасидан бошланади. Пурим байрамини Форс шоҳи Ахашвераш ҳукмронлиги даврида малика Эстер ва унинг амакиси Мардохай жорий қилганлар. Икки кун нишонланадиган бу байрам давомида яҳудийлар қандай қилиб Худо Исроил халқини қирилиб кетишдан сақлаганини хотирлаганлар. Бу байрамда одамлар хурсандчилик қилганлар, зиёфатлар уюштирганлар ва бир–бирларига совғалар берганлар. Бу байрамнинг номи аккад–бобил тилидаги *пур*, яъни “қуръа” сўзидан олинган. Эстер 9:20-32 га қаранг.

ЯНГИ ОЙ ШОДИЁНАСИ

Ҳар ойнинг бошида нишонланадиган байрам. Бу байрам Исроил халқи амал қилган қамария ҳисоби бўйича белгиланган. Руҳонийлар ҳар ойнинг биринчи кунида мана шу байрам учун Тавротда буюрилган қурбонликларни келтирардилар[1]. Шунингдек, бу байрамда одамлар махсус таомни тановул қилардилар. Удумга мувофиқ бу таомни фақатгина покланган одамлар тановул қилишлари мумкин эди[2]. Ойнинг биринчи куни табаррук ҳисобланиб, одамлар дам олишарди[3].

[1] Саҳрода 28:11-15 [2] 1 Шоҳлар 20:5, 24-26 [3] Амос 8:5

БАНДАРГОҲ

Кемалар тўхтайдиган, кемаларга юк ортиладиган ва улардан юк тушириладиган жой, яъни порт. Порт шаҳарлардаги савдогарлар кемаларга ҳам, карвонларга ҳам тижорат молларини етказиб берардилар. Муқаддас Китобда Финикиянинг бир нечта порт шаҳарлари, жумладан, Тир ва Сидон ҳақида айтиб ўтилган. Ўрта Осиёдан ўтган Буюк ипак йўлининг баъзи тармоқлари ғарбда ўша Финикия шаҳарларигача борарди. Кемасозлик ва балиқчилик порт шаҳарларнинг иқтисодида муҳим ўрин тутган. Денгиз бўйида жойлашган бу порт шаҳарлар аҳолиси фаровон яшаган.

БАРҲАЁТ ХУДО

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

БАШАН

Ясси тепаликлардан ва ўрмон билан қопланган қирлардан иборат ўлка. Бу ўлка Жалила денгизи ва Иордан дарёсининг шарқ томонида жойлашган. Башан Гилад

ўлкасининг шимол томонида бўлиб, семиз мол–қўйларию аъло сифатли донлари билан машҳур эди.

БИРОДАР, БИРОДАРЛАР

Муқаддас Китобда одатда бу сўз ўзаро яқин муносабатда бўлган одамлар орасида қўлланилган, айрим ҳоллардагина туғишган ака–укаларга нисбатан ишлатилган. Эски Аҳдда ҳам, Янги Аҳдда ҳам бу сўз бир қабилага ёки бир халққа мансуб бўлган одамлар ўртасида кўп ишлатилган[1]. Янги Аҳдда, айниқса мактубларда бу сўз Исо Масиҳга ишонган барча миллатдаги одамларга нисбатан ишлатилган[2]. Исо Масиҳнинг Ўзи ҳам шогирдларини, биродарларим, деб атаган[3]. Бу сўз яна қўшниларга, дўстларга, қардош халқ вакилларига, ҳатто бегона одамларга нисбатан ҳам қўлланилган[4]. Шунингдек, эркак ва аёллардан иборат бўлган гуруҳларга ҳам “биродарлар”, деб мурожаат қилинарди. Муқаддас Китобда айтиб ўтилган халқларнинг маданиятида эркаклар асосий ўрин эгаллаган. Маданиятнинг бу жиҳати Муқаддас Китоб ёзилган қадимий иброний ва юнон тиллари грамматикасида ҳам аниқ кўриниб туради. Мазкур таржимада ибронийча ва юнонча матндаги маънони сақлаб қолиш учун “биродар, биродарлар” сўзи ишлатилган.

[1] Чиқиш 2:11, Қонунлар 1:16, Ҳакамлар 18:14, 20:7, Нахимиё 5:1-10, Забур 21:23, Ҳизқиёл 11:25, Ҳаворийлар 2:29, 22:1 [2] Матто 25:40, 45, Ҳаворийлар 1:15-17, 15:23, Ёқуб 1:2, Филиппиликлар 3:1, Филимўн 1:1, 7, 16, Ибронийлар 2:11, Ваҳий 12:10 [3] Матто 28:10, Юҳанно 20:17 [4] Ибтидо 19:7, 29:4, Қонунлар 2:8, 1 Шоҳлар 30:23, Матто 7:3-5

БОБИЛ

Қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Бобил ҳозирги жанубий Ироқда жойлашган эди. Милоддан олдинги 586 йилда Бобил лашкари Яҳудони, яъни жанубий шоҳликни босиб олган[1] ва жуда кўп одамларни Бобилга асир қилиб олиб кетган эди[2]. Кейинчалик Бобил юрти Форс империяси ҳукмронлиги остида бўлганда, айрим яҳудийлар Яҳудо юртига қайтиб келганлар. Қолган яҳудийлар эса Бобилда яшаб қолаверганлар. Бобил шаҳри кўп йиллар давомида яҳудийларнинг диний таълим маркази бўлган эди.

[1] ЯҲУДО сўзига қаранг. [2] 4 Шоҳлар 25:1-12

БОШ РУҲОНИЙЛАР

Янги Аҳд даврида бош руҳонийлар гуруҳи олий руҳонийдан, собиқ олий руҳонийлардан ва Ҳорун авлодидан келиб чиққан нуфузли оилалар аъзоларидан ташкил топган эди. Бош руҳонийлар, олий руҳоний сингари, бу нуфузли оилалар орасидан танланарди. Бош руҳонийлар жамиятнинг бошқа эътиборли одамлари қаторида Олий кенгаш[1] аъзолари эдилар. Олий кенгаш яҳудийларнинг сиёсий ва диний уюшмаси эди.

[1] ОЛИЙ КЕНГАШ иборасига қаранг.

БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН АРАВАЛАР

Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад ҳовлисидаги ўнта катта арава. Ҳар бир аравaнинг устида катта тоғора бўлиб, бу тоғораларда сув сақланарди[1]. Қурбонлик қилинадиган ҳайвонларнинг ичак–човоқлари, калла–почаси ва бошқа қисмлари куйдирилишдан олдин мана шу тоғоралардаги сув билан ювиларди[2]. Зарурат бўлганда аравалар Маъбад ҳовлисида у ердан–бу ерга кўчириларди.

[1] 3 Шоҳлар 7:27-39 [2] 2 Солномалар 4:6



БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН ҲОВУЗ

Бу ҳовуз катта қозон шаклида бўлиб, бронзадан қилинган ўн иккита ҳўкиз устига ўрнаштирилган эди. Ҳовуз шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад ҳовлисидаги бронзадан ясалган қурбонгоҳ ёнида турар эди. Бу ҳовузга тахминан 44.000 литр сув сиғарди[1]. Ҳовуздаги сувни руҳонийлар ювиниш учун ишлатардилар[2].

[1] 3 Шоҳлар 7:23-26 [2] 2 Солномалар 4:6



БУРҒУ

Қўчқор шохидан ясалган чолғу асбоби. Қадимда бу асбоб душман бостириб келаётганидан хабар бериш учун, жангга даъват қилиш учун[1], шунингдек, Худони улуғлаш учун чалинган[2].

[1] Ёшуа 6:4,19, Еремиё 4:5, 6:1 [2] Забур 80:4, 97:6, 150:3



БУТСИМОН ТОШ

Тик қилиб ўрнатилган узунчоқ тош. Канъон халқлари бу тошларни ўз худолари, жумладан, худо Баал деб билиб, уларга топинар эдилар[1]. Бундай тошлар тепаликлар устига, яшил дарахтлар остига[2] ва саждагоҳларнинг ичкарисига ўрнатиларди[3]. Худо Исроил халқига, бутсимон тошларни ўрнатманг, уларга сажда қилманг, деб амр берган[4]. Шунингдек, бутсимон тошларни синдириб ташлашни буюрган[5].

[1] БААЛ сўзига қаранг. [2] 4 Шоҳлар 17:10 [3] 4 Шоҳлар 10:27 [4] Левилар 26:1 [5] Чиқиш 23:24



БЎЙИНТУРУҚ



ВАЛИЙ

Ибронийчадан сўзма–сўз таржимаси *кўрадиган одам*. Одатда пайғамбарни валий деб аташарди[1]. Валийлар Худодан келадиган ваҳийни кўриш ва эшитиш лаёқатига эга эдилар.

[1] 1 Шоҳлар 9:9

ГИЛАД

Иордан дарёсининг шарқидаги бир ўлка. Гиладнинг жануб томонида Мўаб юрти, шимол томонида эса Башан ўлкаси жойлашган эди.

ГИРГОШ ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Гиргош халқи Канъон юртининг аниқ қайси жойида яшагани маълум эмас. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

ГУНОҲ

Гуноҳ Худонинг амрларини бузиш, ёмон иш қилиш ёки яхшилик қилишдан бош тортиш демакдир. Муқаддас Китобга кўра, гуноҳ тушунчаси нафақат инсоннинг хатти–ҳаракатларини, балки унинг Худога ёки инсонларга қарши ўй–хаёлларини ҳам қамраб олади. Худонинг талабига кўра, ҳар бир инсон Худони бутун қалби билан, жону дили билан, бутун онги билан, кучи борича севиши керак[1]. Исо Масиҳ, инсон ҳатто ўй–хаёлида гуноҳ қилса ҳам ҳукм қилинади, деб таълим берган[2]. Жумладан, ғазаб, мағрурлик, шаҳват, рашк, хасислик каби гуноҳлар кўзга кўринмаса ҳам, Худодан яширин қолмайди. Худо эзгу, адолатли, муқаддас бўлгани учун, қилинган ҳар қандай гуноҳ Худога қаршидир[3].

Одам Ато ва Момо Ҳаво Худога итоатсизлик қилиб, У билан муносабатини бузганлар[4]. Бунинг оқибатида Одам Ато ва

Момо Ҳавонинг ўзаро муносабати ҳам бузилди, дунёда номутаносиблик пайдо бўлди, бутун дунё лаънатга гирифтор бўлди. Уларнинг ҳаёти ташвиш, қайғу–азобларга тўлди[5]. Гуноҳ туфайли дунёга ўлим кириб келди ва бутун одамзод устидан ҳукмрон бўлиб қолди[6]. Гуноҳ ҳар бир инсоннинг табиатида мавжуд бўлгани учун, унинг ниятларини, ўй–фикрларини, ҳис–туйғуларини ва истакларини бузади[7]. Гуноҳ оқибатида одамзод Муқаддас Худодан узоқлашган, ажралган, Унинг ғазаби остида қолган ва қиёматда ҳукм қилинади[8]. Фақатгина Исо Масиҳнинг тўкилган қони туфайли инсон гуноҳларидан поклана олади, Худо билан ярашади ва ҳукм қилинмайди[9].

[1] Қонунлар 6:5, Луқо 10:27 [2] Матто 5:21-30 [3] Ибтидо 4:10, Забур 32:5, 44:8, 50:5-6, 88:15, Ишаё 5:16 [4] Ибтидо 3:5-8 [5] Ибтидо 3:16-19 [6] Римликлар 5:12 [7] Забур 50:7, 142:2, Еремиё 17:9, Римликлар 3:10-12, 7:14-20 [8] Ишаё 59:2, Римликлар 1:18-21, Эфесликлар 5:5-6, Колосаликлар 3:5-6 [9] 1 Юҳанно 2:1-2, Римликлар 5:6-11, 6:22-23, 1 Салоникаликлар 5:9

ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

ДАФН МАРОСИМИ

Қадимда Исроил халқи ва бошқа баъзи халқларнинг удуми бўйича, марҳум қатъий қоидаларга риоя қилинган ҳолда дафн этиларди. Марҳумнинг дафн этилмаслиги у учун ниҳоятда оғир иснод ҳисобланиб, ўта шармандалик эди[1]. Одатда жасад дафн этилишидан олдин ювилиб, унга хушбўй ҳидли мойлар суртиларди[2]. Шундан кейин марҳумни хушбўй ҳидли зираворлар билан бирга зиғир матога кафанлаб, дафнга тайёрлашарди[3]. Азадорлар ва ёлланган йиғичилар қуёш ботмасдан олдин марҳумни қабристонга олиб бориб, уни оиласига қарашли қабрга қўйишарди[4]. Қабр одатда қояга ўйиб ясаларди[5]. Қабр оғзи диаметри тахминан бир метр бўлган думалоқ тош билан ёпиб қўйиларди. Бу тош жуда оғир бўлгани учун, бир нечта одам ўша тошни юмалатиб, қабр оғзини ёпишарди[6]. Дафн маросимидан кейин бир йил ўтгач, қабр оғзини очишарди ва марҳумнинг суякларини тошдан ясалган қутига солишарди. Сўнгра бу қутини қабрнинг ичида ўйилган токчага қўйишарди. Хочда ўлган жиноятчиларнинг жасади одатда оммавий қабрга ташланарди ва улар учун ошкора аза тутиш ман этилган эди.

[1] 3 Шоҳлар 14:11-13, 21:23-24, Еремиё 7:33, Ишаё 14:18-20 [2] Марк 14:3, 8, 16:1, Ҳаворийлар 9:37 [3] Матто 27:59, Юҳанно 11:44 [4] Ибтидо 47:30, Амос 5:16, Луқо 7:12 [5] Матто 27:60 [6] Марк 16:3-4, Юҳанно 11:38

ДОВУД ҚАЛЪАСИ

Бу қалъа Қуддуснинг қадимги қисми бўлиб, Сион тепалигида жойлашган эди. Ёбус халқи шу жойнинг туб аҳолиси эди. Довуд қалъани улардан тортиб олиб, у ерда яшай бошлади. Шу боис бу қалъа “Довуд қалъаси” деб ном олди[1].

[1] 2 Шоҳлар 5:6-9, 1 Солномалар 11:4-8

ДОН НАЗРИ

НАЗР сўзига қаранг.

ЁБУС ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Довуд Қуддусни босиб олишидан олдин Ёбус халқи Қуддусда ва унинг атрофида яшаган[1]. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

[1] 2 Шоҳлар 5:6-10

ЁВУЗ РУҲ

Муқаддас Китобда ёвуз руҳ баъзан жин деб аталган. Ёвуз руҳларнинг ҳукмдори шайтондир. Ёвуз руҳлар инсонларга зарар етказишни истайди. Улар баъзан инсоннинг ичига кириб олиб, унинг хатти–ҳаракатларини бошқаради. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ШАЙТОН ва ФАРИШТА сўзларига қаранг.

ЁДГОРЛИК ТОШИ

Тик қилиб ўрнатилган узунчоқ тош. Бу тошлар бирортасининг қабрини белгилаб қўйиш, муҳим бир воқеани ёки инсон хотирасини абадийлаштириш учун ўрнатиларди[1].

[1] Ибтидо 28:16-18, 35:20, Чиқиш 24:4, 2 Шоҳлар 18:18

ЁҚУБ

Ёқуб Иброҳимнинг набираси ва Исҳоқнинг ўғли эди. Ёқуб Паниёлда Худо билан кураш тушгандан кейин, Худо унга “Исроил” деб исм берган[1]. Шу боис Эски Аҳдда Ёқубнинг авлодлари “Исроил халқи” деб аталган. Кўпинча Эски Аҳддаги пайғамбарлар битикларида ва шеърий парчаларда Исроил халқи Ёқуб ёки Ёқуб насли деган ном билан

юритилади. Эски Аҳднинг айрим ўринларида Ёқуб сўзи тор маънода ишлатилган бўлиб, пойтахти Самария бўлган Исроилни, яъни шимолий шоҳликни[2] ёки пойтахти Қуддус бўлган Яҳудони, яъни жанубий шоҳликни билдиради[3].

Янги Аҳдда Исонинг ўн икки ҳаворийси орасида Ёқуб исмли иккита шогирди бор эди. Исонинг Ёқуб деган укаси ҳам бўлиб, у Қуддусдаги жамоатнинг обрўли йўлбошчиси ва Янги Аҳд таркибидаги "Ёқубнинг мактуби" муаллифи эди.

[1] Ибтидо 32:28-29, 35:10 [2] ИСРОИЛ сўзига қаранг. [3] ЯҲУДО сўзига қаранг.

ЖАБРОИЛ

Муқаддас Китобда иккита фариштанинг номи айтиб ўтилган, биринчиси — Жаброил, иккинчиси — Микойил[1]. Жаброил Худонинг махсус хабарини етказиш учун бир неча марта одамларга зоҳир бўлган. У Дониёр пайғамбарга зоҳир бўлиб, берилган ваҳийлар ва башоратларнинг маъносини тушунтириб берган[2]. Яҳё пайғамбарнинг отаси Закариёга ҳам зоҳир бўлиб, Яҳёнинг туғилиши ҳақида[3], Марямга ҳам зоҳир бўлиб, Исо Масиҳнинг туғилиши ҳақида хабар берган[4].

[1] Мазкур таржимада Азроил фариште ҳам айтиб ўтилган, Муқаддас Китобнинг асл нусхасида Азроил "ҳалок қилувчи" деб берилган. [2] Дониёр 8:15-27, 9:20-27 [3] Луқо 1:8-20 [4] Луқо 1:26-38

ЖАЛИЛА

Жалила кўлининг ва Иордан дарёсининг ғарб томонида, Самария ҳудудидан шимолда жойлашган қирли ер. Қадимги Фаластин қатори, Жалила ҳам милоддан олдинги 63 йили Рим империяси томонидан босиб олинган. Кўп асрлар давомида бу ҳудуд ажнабий халқлар ҳукмронлиги остида бўлган, шунинг учун туб аҳолининг орасида кўплаб ғайрияҳудийлар яшаган[1]. Шу сабабга кўра, бошқа яҳудийлар Жалилаликларга паст назар билан қарар эдилар. Исонинг болалик ва ўсмирлик даври Жалиладаги Носира шаҳрида ўтган. Исо Ўз хизматини асосан Жалилада олиб борган.

[1] Ишаё 9:1-2, Матто 4:12-16

ЖАМОАТ

Янги Аҳдда бу сўз маълум бир жойдаги масиҳийлар гуруҳига нисбатан ишлатилган. Илк жамоат Қуддусда пайдо бўлган. У ердаги имонлилар Худога сажда қилиш учун тез–тез йиғилиб турар эдилар. Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабар кенг тарқалгач, бошқа жойларда ҳам жамоатларга асос солинди[1]. Жамоатдаги имонлилар бир–бирларига ҳар жиҳатдан ёрдам берардилар[2]. Имонлилар уйларда йиғилганларида ибодат қилардилар, Худога ҳамду санолар айтардилар ва Исонинг ўлимини хотирлаб, бирга таом тановул қилар эдилар[3]. Улар биргаликда Муқаддас битикларни ўқиб, сабоқ олардилар ва имонда маҳкам туриш учун бир–бирларига далда берардилар[4]. Жамоатларнинг йўлбошчилари бор эди, уларни етакчи, оқсоқол ёки чўпон деб аташарди[5]. Жамоатда имонлиларга ёрдам берадиган одамларни эса хизматчилар деб аташган[6].

Янги Аҳдда жамоат сўзи яна Исо Масиҳга ишонган жамики одамларни билдирган[7]. Жамоат сўзининг шу маъносини ифодалаш учун Янги Аҳдда бир неча тимсоллар берилган. Уларнинг баъзилари қуйидагилардир: Исо Масиҳнинг танаси[8], Маъбад[9], Худонинг хонадони[10].

[1] Ҳаворийлар 8:1, 15:41, 1 Коринфликлар 16:19, Галатияликлар 1:1-2, Ваҳий 1:11 [2] Ҳаворийлар 2:44-45, 4:32, 34-35 [3] Ҳаворийлар 2:42, 46, Римликлар 16:4, 1 Коринфликлар 11:17-34, Эфесликлар 5:19, Колосаликлар 3:16, 4:15 [4] 1 Коринфликлар 14:26, 1 Тимўтий 4:13 [5] Ҳаворийлар 14:23, Ёқуб 5:14, 1 Бутрус 5:1-4, Эфесликлар 4:11, 1 Тимўтий 3:1-7, Титус 1:5-9 [6] Филиппиликлар 1:1, 1 Тимўтий 3:8-13 [7] Матто 16:18, 1 Коринфликлар 5:12-13, Галатияликлар 1:13, Эфесликлар 1:22, 3:10, 21, 5:23-32, Филиппиликлар 3:6 [8] 1 Коринфликлар 12:12-13, 27, Эфесликлар 5:23, 29-30, Колосаликлар 1:24 [9] 1 Коринфликлар 3:16-17, 2 Коринфликлар 6:16, Эфесликлар 2:21-22 [10] Эфесликлар 2:19, 1 Тимўтий 3:14-15, Титус 1:7, Ибронийлар 3:6

ЖАНГ АРАВАСИ

Отларга қўшиладиган, орқаси очиқ арава. Жангда ишлатилган бўлиб, ҳарбий куч–қудрат ва устунлик белгиси эди.



ЖАННАТ

Жаннат деб таржима қилинган юнонча сўзнинг маъноси "гўзал боғ" демакдир. Янги

Аҳдда жаннат сўзи солиҳлар ўлгандан кейин борадиган жойга ишора қилади[1]. Ўша боғда солиҳлар Ҳаёт дарахти мевасидан ейишга мушарраф бўладилар[2]. Жаннат сўзи яна арши аълога нисбатан ҳам ишлатилган[3].

[1] Луқо 23:43 [2] Ваҳий 2:7 [3] 2 Коринфликлар 12:2-4 га ва ОСМОН, САМО сўзларига қаранг.

ЖИН

Муқаддас Китобда жин баъзан ёвуз руҳ деб аталган. Жинларнинг ҳукмдори шайтондир. Жинлар инсонларга зарар етказишни истайди. Улар баъзан инсоннинг ичига кириб олиб, унинг хатти–ҳаракатларини бошқаради. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ШАЙТОН ва ФАРИШТА сўзларига қаранг.

ЗАЙТУН

Доим яшил субтропик дарахт ва шу дарахтнинг меваси[1]. Зайтун дарахтининг олхўри шаклидаги яшил ёки қора меваси нордон бўлади. Бу дарахт Яқин Шарқда жуда кенг тарқалган бўлиб, мевасидан мой олинади.

[1] русча маслина ёки оливка

ЗИЁРАТ ҚЎШИҒИ

Ибронийча матндан сўзма–сўз таржимаси *юқорига чиқиш қўшиғи*, яъни Қуддусга ва Маъбад турган тепаликка чиқилаётганда айтилган қўшиқ. 119-133–саноларнинг ҳаммаси “зиёрат қўшиқлари” деб аталган, 83–сано ҳам шу усулда ёзилган. Зиёратчилар диний байрамларни нишонлаш учун Қуддусга бораётганларида ҳам, байрамларни Маъбадда нишонлаганларида ҳам шу қўшиқларни куйлаган бўлишлари мумкин.

ЗИЛ, ЗИЛЛАР

Бир–бирига уриб чалинадиган металл тарелка шаклидаги мусиқа асбоби.

ЗИҒИР

Қадимги пайтларда кенг тарқалган ўсимлик. Одамлар бу ўсимликнинг пояларини ўриб олиб, сувда ивитардилар. Қуритганларидан кейин эса толаларини ажратиб, улардан ип йигиришарди. Зиғир ипидан мато тўқишган. Қадимги замонда майин тўқилган зиғир матоси[1] қимматбаҳо газлама ҳисобланган. Бу матодан тикилган кийим енгил ва ҳаво ўтказувчан бўлгани учун, иқлими иссиқ ўлкаларда юксак даражада қадрланган ва унга эҳтиёж катта эди.

[1] русча лён

ИБЛИС

ШАЙТОН сўзига қаранг.

ИБРОНИЙ

Эҳтимол, иброний сўзи Ибир исмидан ҳосил бўлгандир[1]. Иброний сўзи миллат маъносида дастлаб Иброҳимга ва унинг наслига нисбатан қўлланган[2]. Кейинчалик бу ном Исроил халқига ва яҳудийларга нисбатан ишлатилган[3]. Яна ЯҲУДИЙ сўзига қаранг.

[1] Ибтидо 10:21 [2] Ибтидо 14:13, 39:14,17, 40:15, 41:12, 43:32 [3] Мисол учун, Чиқиш 1:15-19, 1 Шоҳлар 4:6, 2 Коринфликлар 11:22, Филиппиликлар 3:5 га қаранг.

ИБРОНИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

ИБРОНИЙЧА

Исроил халқининг она тили. Исроил халқи милоддан олдинги 586 йилда Бобилга[1] асир қилиб олиб кетилмасдан олдин иброний тилида сўзлашарди. Исроил халқи сургундан қайтгандан кейин асосан орамий тилида[2] сўзлашадиган бўлди. Эски Аҳднинг аксарият қисми иброний тилида, айрим қисмларигина орамий тилида ёзилган[3].

[1] БОБИЛ сўзига қаранг. [2] ОРАМИЙЧА сўзига қаранг. [3] жумладан, Эзра 4:8-6:18, 7:12-26, Дониёр 2:4-7:28

ИБРОНИЙЧА МАТН

Эски Аҳднинг энг қадимий тўлиқ ибронийча қўлёзмаси *Ленинград Кодекси*дир. Бу қўлёзма тахминан милодий 1000 йилларда кўчирилган. Мазкур қўлёзманинг нашр қилинган нусхаси *Библия Хебраика Стутгартенсия* деб аталади. Олимларнинг аксарияти *Ленинград Кодекси*ни қадимда яҳудий котиблари ёзиб қолдирган қўлёзмаларнинг энг яхши нусхаларидан бири деб ҳисоблайди. Бу котиблар *Мазоретлар* деб аталган бўлиб, милодий 500-1000 йилларда фаолият кўрсатганлар. *Ленинград Кодекси*нинг асл нусхаси Санкт Петербургдаги Россия Миллий Кутубхонасида сақланади[1].

Эски Аҳднинг ўзбекча таржимаси, дунёдаги кўп замонавий таржималар сингари, *Ленинград Кодекси*нинг матнига асосланган. Эски Аҳднинг айрим иброний қўлёзмаларидаги ва унинг юнон, лотин, сурёний каби тилларга қилинган таржималаридаги баъзи сўзлар *Ленинград*

*Кодекси*дан бир оз фарқ қилади. Ўзбекча таржимага берилган изоҳларда мана шу фарқларнинг баъзилари кўрсатиб ўтилган. Шу орқали китобхон маълум бир оят нима учун айрим фарқлар билан таржима қилинганини тушуниб олади. Бошқа иброний қўлёзмалари ва қадимги таржималар ҳақида тўлиқроқ маълумот қуйида келтирилган.

*[1] Ленинград Кодекси**нинг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. Бу қўлёзмани интернет орқали кўрса ҳам бўлади.*

ИБРОНИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

*Ленинград Кодекси*дан бошқа иброний қўлёзмалари. Бу қўлёзмаларни ҳам *Мазоретлар* деб аталган котиблар кўчирган. Олимлар асл матннинг мазмунини яхшироқ тушуниш учун шу қўлёзмалардан фойдаланадилар.

ҚУМРОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Қумрон қўлёзмалари “Ўлик денгиз қўлёзмалари” деган ном билан ҳам маълум бўлиб, 1946-1956 йиллар давомида Ўлик денгиз бўйидаги ғорлардан топилган. Эски Аҳднинг баъзи қисмларини ўз ичига олган бу қадимги иброний қўлёзмалари яхши сақланиб қолган. Олимлар асл матннинг мазмунини яхшироқ тушуниш учун мана шу қўлёзмалардан фойдаланадилар. Қумрон қўлёзмалари Эски Аҳднинг энг қадимий нусхалари ҳисобланиб, аксарияти тахминан милоддан олдинги 100 йилларда ёзилган. Мазкур қўлёзмалар қадимда яҳудий котиблари бўлган *Мазоретлар* фаолият кўрсатмасларидан бир неча асрлар илгари кўчирилган.

Қумрон қўлёзмалари тўпламида Эски Аҳддаги барча китобларнинг парчалари бор. Бу қўлёзмалар орасида фақатгина Эстер китоби йўқ. Уларнинг орасидаги энг диққатга сазовори Ишаё китобининг тўлиқ қўлёзмасидир[1]. Ишаё китобининг бу қўлёзмаси *Ленинград Кодекси*дан 1000 йилларча аввал кўчирилган бўлиб, аксарият ҳолларда фақат имло ва грамматик жиҳатдан бир оз фарқ қилади. Бундан бошқа фарқлари жуда кам.

Эски Аҳднинг бугунги кунгача сақланиб қолган энг қадимги қўлёзмаси милоддан олдинги 600 йилда кўчирилган бўлиб, “кумуш қўлёзмалари” деб аталади. Бу қўлёзма икки бўлак кумушга ёзилган бўлиб, Саҳрода 6:24-26 оятлардаги дуодан иборат. Кумуш қўлёзмалари Қуддус яқинидаги ғорга ўйилган қабрдан топилган. Бу қўлёзмалардаги оятлар *Ленинград Кодекси*дан 1600 йил олдин ёзилган бўлса ҳам, *Ленинград Кодекси*даги оятлар билан бир хилдир. Қумрон ва кумуш қўлёзмаларидан кўриниб турибдики, яҳудий котиблари асрлар давомида Эски Аҳднинг ибронийча матнини юксак диққат–эътибор билан кўчириб, сақлаб келганлар.

[1] Қумрон қўлёзмалари тўпламидаги Ишаё китобининг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган.

ҚАДИМИЙ ТАРЖИМАЛАР

Эски Аҳднинг асл матни мазмунини яхшироқ тушуниш мақсадида олимлар унинг қадимий таржималаридан фойдаланадилар. Бу таржималар қадимда яҳудий котиблари бўлган *Мазоретлар* фаолият кўрсатмасларидан олдин қилинган. Қадимий таржималар орасида энг муҳими — ҚАДИМИЙ ЮНОНЧА ТАРЖИМА. Бу таржима *Септуагинта* деб ҳам аталади[1]. *Септуагинта* милоддан олдинги 300-200 йилларда Эски Аҳднинг ибронийчадан қилинган биринчи таржимаси бўлиб, илк жамоат масиҳийлари Септуагинтадан кенг фойдаланганлар. Янги Аҳдда бу таржимадан кўп иқтибослар келтирилган[2]. Муҳим таржималардан яна бири ҚАДИМИЙ СУРЁНИЙЧА ТАРЖИМА. Бу таржима ҳақида маълумот кам, олимлар уни милодий иккинчи асрда таржима қилинган, деб тахмин қиладилар. Эътиборга молик таржималардан яна бири ҚАДИМИЙ ЛОТИНЧА ТАРЖИМА бўлиб, *Вульгата* деб ҳам аталади. Бу таржима тахминан милодий 400 йилларда қилинган. Бу қадимий таржималар Қумрон қўлёзмалари сингари шундан далолат берадики, яҳудий котиблари Эски Аҳд матнини асрлар давомида юксак диққат–эътибор билан кўчириб, сақлаб келганлар.

[1] Септуагинта қўлёзмаларидан бирининг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. [2] Яна ЮНОН ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ иборасига қаранг.

ИНОЯТ

Муқаддас Китобда “иноят” ва “иноятли” сўзлари одатда Худога ва Унинг қилган ишларига нисбатан ишлатилган. Иноят сўзининг туб маъноси шуки, Худо буюк ва

шартсиз севгиси туфайли Ўз хоҳиши билан инсонларга барака беради[1]. Бу дунё яратилгандан бери Худонинг иноятиодамзод ва бутун мавжудотнинг ҳаётида намоён. Худо уларга ҳаёт ато этади ва яшаш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб туради[2]. Худо инсонларга ва барча халқларга иноят кўрсатади[3]. Эски Аҳдда Худонинг Исроил халқига бўлган чексиз иноятини биз Исроил тарихининг турли даврларида кўришимиз мумкин. Исроил халқининг мўъжизавий тарзда Мисрдаги қулликдан озод бўлгани бунинг яққол мисолидир[4].

Янги Аҳдда Исо Масиҳнинг бу дунёга келиб, Унга ишонганларга нажот бергани Худонинг одамзодга кўрсатган иноятининг энг ёрқин намунасидир[5]. Исо Масиҳ орқали Худо инсонларни гуноҳдан озод қилиб, оқлайди ва уларга абадий ҳаёт ато этади[6]. Бу иноятга ҳеч ким лойиқ эмас ва иноят инсоннинг қилган савоб ишларига боғлиқ эмас[7]. Худонинг кўрсатган иноятига муносиб жавоб гуноҳдан юз ўгириб, Худога итоаткор бўлишдир[8]. Худо Ўз инояти туфайли имонлиларга Муқаддас Руҳини ато этади. Улар Муқаддас Руҳ орқали бу дунёда Худога хизмат қиладилар[9].

[1] Забур 12:6, 144:8-9, Еремиё 31:2-3, Эфесликлар 2:4-5 [2] Ибтидо 1:28-29, Забур 146:7-9, Аюб 5:9-10, Ҳаворийлар 14:16-17 [3] Юнус 4:2, Луқо 1:30 [4] Қонунлар 7:7-9, Забур 102:6-14, 135:1-26 [5] Юҳанно 1:17, 3:16-17 [6] Римликлар 3:23-24, 5:8-9, Эфесликлар 1:7-8, Титус 3:4-7 [7] Римликлар 11:5-6, Эфесликлар 2:8-9, 2 Тимўтий 1:9-10 [8] Римликлар 6:1-2, 15-19, Титус 2:11-14 [9] Ҳаворийлар 1:8, 2:1-4, Римликлар 12:6-8, 1 Коринфликлар 12:4-11, 2 Салоникаликлар 1:11-12

ИНСОН ЎҒЛИ

“Хушхабар” китобларида Исо Масиҳ Ўзига нисбатан ишлатган унвон. Исо яшаган даврда яҳудийлар бу унвон остида *дунёга ҳукм ва нажот келтирадиган Худонинг вакили*ни тушунганлар. Дониёр пайғамбарга берилган ваҳийда инсон қиёфасидаги бу зот тўғрисида башорат қилинган[1]. Яҳудийлар кўпинча Худонинг вакилини “Масиҳ” деб атаганлар[2].

“Инсон Ўғли” унвони Эски Аҳднинг ибронийча матнида ҳам бир неча марта учрайди[3]. Бу ўринларда пайғамбар ҳам инсон зотидан бўлиб, абадий яшамаслиги, у ҳам Худонинг кучига муҳтож экани кўрсатилган. Бу ибора умуман бандаларга нисбатан ҳам ишлатилган.

[1] Дониёр 7:13-14 [2] МАСИҲ сўзига қаранг. [3] Мисол учун, Забур 8:5, Ҳизқиёл 2:1, Дониёр 8:17 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг.

ИСРОИЛ

Ёқуб Паниёлда Худо билан кураш тушгандан кейин, Худо унга “Исроил” деб исм берган[1]. Ёқуб Иброҳимнинг набираси ва Исҳоқнинг ўғли эди. Ёқубнинг ўн иккита ўғли бўлиб, улардан Исроилнинг ўн икки қабиласи келиб чиққан. Эски Аҳдда мана шу ўн икки қабила Исроил халқи деб аталган. Кейинчалик Исроил халқи босиб олган ерлар ҳам Исроил юрти деб ном олган.

Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди[2]. Бу ўнта қабила алоҳида давлатни ташкил қилиб, Исроил шоҳлиги[3] деб ном олди. Бу давлатнинг пойтахти Самария бўлди. Эски Аҳднинг баъзи ўринларида шимолдаги ўнта қабилага Исроил халқи деган ном, бу қабилалар ташкил қилган давлатга нисбатан Исроил юрти деган ном қўлланган. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурия шоҳлиги Исроилни босиб олгач[4], шимолий шоҳлик барҳам топди.

Янги Аҳдда “Исроил” номи сиёсий мустақилликка эга давлатни эмас, балки Ёқуб наслини, яъни яҳудийларни билдирган.

[1] Ибтидо 32:28-29, 35:10 [2] 3 Шоҳлар 11:26-12:24 [3] шимолий шоҳлик ибораси билан ҳам маълум [4] 4 Шоҳлар 17:1-6

ИЧКИ ПАРДА

Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган парда. Бу парда майин зиғир матосидан тикилган бўлиб, устига рангли иплардан карублар тасвири солинган эди[1]. Кейинчалик шундай парда Қуддусдаги Маъбаднинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган[2]. Исо Масиҳ хочда жон берганда шоҳ Ҳирод қурдирган Маъбаддаги парда йиртилиб кетди[3]. Ибронийларга мактубнинг муаллифи самовий Маъбадда ҳам шу каби парда борлигини айтиб ўтади[4].

[1] Чиқиш 26:31-33 [2] 2 Солномалар 3:14 [3] Матто 27:50-51 [4] Ибронийлар 6:19-20

ЙҲВҲ

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ ибораси остида берилган ЭГАМ, ЭГАМИЗ… сўзларига қаранг.

КАНЪОН

Канъон Нуҳнинг набираси ва Хомнинг ўғли эди. Қадимги пайтларда Ўрта ер денгизи, Иордан дарёси ва Ўлик денгиз оралиғидаги ерлар ҳам Канъон деган ном билан юритилган. Канъон юртидан шимолда Лубнон тоғлари, жанубда эса Нагав чўли бор эди. Ибтидо китобида баён қилинишича, Хомнинг ўғли Канъондан бир нечта халқ келиб чиққан ва ўша ерларда яшаган[1]. Исроил халқи бу ерларни босиб олгандан кейин, Канъон деган ном аста–секин йўқолиб кетди. Унинг ўрнига бу ерлар “Исроил юрти” деб атала бошлаган, анча вақт ўтгандан кейин эса “Фаластин” номи билан танилган[2].

Муқаддас Китобда Канъон жуда ҳосилдор, “сут ва асал оқиб ётган юрт” деб тасвирланган[3]. Канъон географик жиҳатдан жуда қулай ва унумдор ер ҳисобланган. Канъон юртидан жануби–ғарбда жойлашган Синай ярим ороли Осиё ва Африка қитъаларини бирлаштириб туради. Шунинг учун муҳим тижорат йўллари Канъон орқали, Ўрта ер денгизи бўйлаб ўтган. Қадимда Яқин Шарқдаги қудратли шоҳликлар Канъонни қўлга киритишга ҳаракат қилганлар.

[1] Ибтидо 10:6, 15-19 га ва КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг. [2] ФАЛАСТИН сўзига қаранг. [3] Чиқиш 3:8 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлар. Бу халқлар қуйидагилар эди: Амор халқи, Гиргош халқи, Хет халқи, Хив халқи, Ёбус халқи, Кадмон халқи, Ханаз халқи, Хайин халқи, Париз халқи, Рафа халқи. Бу халқлардан баъзилари Канъон юртининг айнан қайси жойида яшагани маълум эмас. Исроил халқи Канъонни босиб олгандан кейин ҳам, бу халқлардан бир қанчаси ўша юртда яшайверганлар. Яна КАНЪОН сўзига қаранг.

КАРНАЙ БАЙРАМИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

КАРУБ, КАРУБЛАР

Қанотли самовий мавжудотлар. Бу мавжудотлар ҳақида сўз юритилганда, улар одатда Худонинг тахти ёнида тасвирланади. Эски Аҳднинг баъзи ўринларида эса карублар Худонинг тахтини кўтариб юргани ҳақида баён қилинади[1].

Мана шу самовий мавжудотларнинг ҳайкаллари ва ўйма, нақш солинган тасвирлари Худонинг улуғворлиги ва Унинг Ўз халқи орасида эканлигининг рамзидир. Аҳд сандиғи қопқоғи устида икки каруб ҳайкали бор эди[2]. Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасини Муқаддас хонасидан ажратиб турган ички пардага карублар тасвири солинган эди. Кейинчалик шоҳ Сулаймон баландлиги 4,5 метр бўлган карубларнинг иккита ҳайкалини ясаттириб, Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига қўйдирган[3]. Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбаднинг ички пардаси, деворлари ва эшиклари ҳам карублар тасвири билан безатилган эди[4].

[1] Ҳизқиёл 1, 10–боблар [2] Чиқиш 25:18-20 га ва АҲД САНДИҒИ иборасига ишланган расмга қаранг. [3] 3 Шоҳлар 6:23-28 га ва луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган “Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад” расмига қаранг. [4] 2 Солномалар 3:14, 3 Шоҳлар 6:29-35

КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНЛИК, КУЙДИРИЛАДИГАН НАЗР

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

КЎКРАКПЕЧ

Олий руҳоний кўксига тақадиган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган махсус халта. Кўкракпеч халтасига Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалар солинган эди. Олий руҳоний Худонинг иродасини билиш учун Урим ва Туммимдан фойдаланган[1].

[1] Чиқиш 28:15-30



ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР

Ёқубнинг ўғли Леви қабиласидан бўлган эркаклар. Худо Леви қабиласидан бўлган Ҳорун наслини Исроил халқининг руҳонийлари қилиб танлаган эди[1]. Леви

қабиласининг қолган эркаклари диний маросимларни бажаришда ёрдам берганлар. Бундан ташқари, улар Муқаддас чодирга, кейинчалик эса Маъбадга, унинг ашёлари ва буюмларига ҳам масъул эдилар[2]. Худо Исроил халқининг тўнғич ўғиллари ўрнига левиларни Ўз хизматига олганди. Зотан, Исроилнинг тўнғич ўғиллари Худога тегишли эди[3]. Кейинчалик шоҳ Довуд левиларнинг баъзиларини Худога сажда қилиш пайтида ашула айтишга ва мусиқа чалишга тайинлаган[4].

[1] РУҲОНИЙ сўзига қаранг. [2] Саҳрода 3:5-10, 1 Солномалар 23:25-29, 32 [3] Саҳрода 3:11-13, 40-51 [4] 1 Солномалар 6:31-32, 23:30-31

ЛИРА

Торли мусиқа асбоби.



ЛУБНОН

Лубнон тоғ тизмаси бўлиб, ҳозирги Ливан мамлакатида жойлашган. Лубнон тоғлари садр дарахтлари билан машҳур эди. Шоҳ Сулаймон Қуддусдаги Маъбадни ва ўз саройини Лубноннинг садр ёғочларидан қурдирган[1].

[1] 3 Шоҳлар 5:6-10, 6:15-20, 7:2-3

МАЛАК

ФАРИШТА сўзига қаранг.

МАСИҲ

Масиҳ ибронийчадаги “Машиах” сўзидан олинган бўлиб, юнон тилига “Христос” деб таржима қилинган. Иброний тилида бу сўз “мой суртилган” деган маънони билдиради. Қадимги Исроилда бирон одамни руҳоний, пайғамбар ёки шоҳ қилиб тайинлашда бошига зайтун мойи суртиларди[1]. Бу ҳаракат ўша одамнинг Худо томонидан танланганини ва Худонинг хизматига бағишланганини билдирарди. Шу сабабдан Масиҳ сўзи “Худо томонидан танланган” деган маънони ҳам англатади.

Эски Аҳддаги башоратларга кўра, бир кун келиб, шоҳ Довуднинг зурриётидан бўлган бир зот Исроил халқини душманларидан қутқаради ва ер юзида абадий адолат ўрнатиб, барча халқлар устидан ҳукмронлик қилади[2]. Кейинчалик яҳудийлар ваъда қилинган ўша қутқарувчини “Масиҳ” деб атайдиган бўлдилар. Яҳудийларнинг юрти Рим империяси истибдодида қолганда кўп яҳудийлар, Масиҳ келиб, бизни ажнабийлар қўлидан қутқаради ҳамда Исроил шоҳлигининг улуғворлигини қайта тиклайди, деб умид қилганлар[3].

Янги Аҳдга кўра, Раббимиз Исо Эски Аҳддаги башоратларда айтиб ўтилган Масиҳдир[4]. Исо Масиҳ Ўз ваъзлари орқали Худонинг Шоҳлиги келишини эълон қилган, аммо бу Шоҳлик заминий шоҳлик эмас эди[5]. Исо Масиҳ хочдаги ўлими орқали иблиснинг қудратини йўқ қилди, гуноҳга ва ўлим қўрқувига қул бўлган бутун одамзодга озод бўлиш имконини берди[6]. Шунинг учун Исога ишонганлар Уни “Масиҳ” деб аташади.

[1] Чиқиш 28:41, 1 Шоҳлар 10:1, 3 Шоҳлар 19:15 [2] Мисол учун, Ишаё 9:6-7, 11:1-5, 42:1-4, Еремиё 23:5-6 га қаранг. [3] Ҳаворийлар 1:6 [4] Матто 16:15-17, Луқо 2:11, Юҳанно 20:31, Ҳаворийлар 2:36 [5] Юҳанно 18:36 [6] Матто 1:20-23, Луқо 4:16-21, 24:44-48, Ибронийлар 2:14-15

МАЪБАД

Бирон худога сажда қилиш учун қурилган бино. Одатда худоларга атаб маъбадлар қуриларди, сажда қилувчилар, худо ўз маъбадида зоҳир бўлади, деб ишонардилар. Шу сабабдан улар маъбадни худонинг уйи деб ҳам атардилар. Мазкур таржимада маъбад сўзи катта ҳарф билан ёзилган бўлса, асосан Қуддусдаги Эгамизнинг Маъбади назарда тутилган. Шоҳ Сулаймон давридан бошлаб бутун Исроил халқи Эгамизга Қуддусдаги Маъбадда сажда қиларди. Улар Маъбадда қурбонликлар келтирардилар ва муҳим байрамларни шу ерда нишонлар эдилар.

Исроил тарихида Қуддусда бир неча марта Маъбад қурилган, аммо босқинчилар томонидан вайрон қилинган[1]. Биринчи Маъбадни шоҳ Сулаймон қурдирган. Бу Маъбад 3 Шоҳлар 6:1-38, 7:13-51, 2 Солномалар 2:1-4:22 да батафсил тасвирланган. Милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар бу Маъбадни вайрон қилиб, ундаги барча қимматбаҳо ашёларни Бобилга олиб кетганлар[2]. Яҳудо халқи Бобилга сургун

қилинди. Улар Бобилда сургунда яшар эканлар, Худо Ҳизқиёл пайғамбарга янги Маъбад ҳақида ваҳий юборган эди[3].

Милоддан олдинги 538 йилда Форс шоҳи Курушнинг фармонига кўра, баъзи яҳудийлар Қуддусга қайтиб келиб, Маъбадни қайта қуришни бошладилар. Аммо улар Маъбад пойдеворини ётқизганларидан кейин кўп қаршиликларга дуч келдилар ва қурилиш ишларини тўхтатишга мажбур бўлдилар. Бу ҳол Форс шоҳи Доро тахтга чиққунга қадар давом этди. Милоддан олдинги 520 йилдагина улар Маъбад қурилишини давом эттирдилар. Хаггей ва Закариё пайғамбарлар Худодан олган башоратлари билан Маъбадни қураётганларни руҳлантириб турдилар. Ниҳоят, милоддан олдинги 515 йилга келиб, Маъбад қуриб битказилди[4]. Аммо милоддан олдинги 175-164 йилларда Сурияда ҳукмронлик қилган Антиох IV[5] бошчилигида юнонлар Қуддусга бостириб келиб, иккинчи марта қурилган бу Маъбадни талон–тарож қилганлар, уни булғаганлар[6]. Кейинчалик, милоддан олдинги 37-4 йилларда қадимги Фаластинда[7] ҳукмронлик қилган Буюк Ҳирод милоддан олдинги 19 йилда Маъбадни қайта қуришни бошлаган. Қурилиш ишлари Исо Масиҳ даврида ҳам давом этаётган эди. Қайта қурилган ўша Маъбад милодий 70 йилда Римликлар томонидан вайрон қилинди. Шундан кейин Маъбад қайта қурилмади.

“Маъбад” сўзи асосий бинога ёки бутун Маъбад мажмуасига нисбатан ишлатилган. Маъбаднинг асосий биноси Муқаддас хона ва Энг муқаддас хонадан иборат эди. Бу хоналарга маълум бир маросимларни бажариш учун фақатгина руҳонийлар киришга ҳақли эдилар[8]. Халқ Маъбад ҳовлисида Худога сажда қилган. Ҳирод қурдирган Маъбаднинг асосий биносига яқин ҳовли яҳудий эркаклари учун, унинг ёнидаги ҳовли эса яҳудий аёллари учун ажратилган эди. Маъбад мажмуасининг ички ҳовлиси Исроил халқи учун, ташқи ҳовли эса ғайрияҳудийлар учун эди. Исо Масиҳ Маъбаддаги савдогарларни ҳайдагани тўғрисидаги воқеа ташқи ҳовлида юз берган бўлиши мумкин[9].

Муқаддас Китобда Маъбад баъзан “муқаддас маскан” ёки “муқаддас макон” деб айтилган. Баъзан эса Худонинг самовий маскани “Маъбад” деб аталган[10].

[1] Маъбаднинг расмлари ва лойиҳалари луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган. [2] 4 Шоҳлар 25:8-17 [3] Ҳизқиёл 40-46–боблар [4] Эзра 1:1-11, 3:7-4:5, 5:1-2, 6:14-15 [5] Дониёр 8:12 изоҳига қаранг. [6] Дониёр 9:27 нинг охирги изоҳига қаранг. [7] ФАЛАСТИН сўзига қаранг. [8] МУҚАДДАС ХОНА ва ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА ибораларига қаранг. [9] Юҳанно 2:13-22 [10] Мисол учун, Забур 10:4, Ваҳий 11:1, 19, 15:5-8 га қаранг.

МИДИЁН, МИДИЁН ХАЛҚИ, МИДИЁНЛИКЛАР

Иброҳим Соранинг вафотидан кейин Хатуро исмли бир аёлга уйланди. Хатуро Иброҳимга олтита ўғил туғиб берди. Ўғиллардан бирининг исми Мидиён эди[1]. Мидиёндан тарқалган авлод Мидиён халқи деган ном билан танилди. Улар кўчманчи халқ бўлиб, асосан ҳозирги Ақаба қўлтиғининг шарқ томонидаги саҳрода яшардилар. Шу сабабдан у ерлар Мидиён юрти, ўша жойда яшаган халқ Мидиёнликлар деб аталган. Мидиённинг авлоди Иброҳимнинг ўғли Исмоилдан келиб чиққан кўчманчи халққа қариндош бўлгани учун, улар баъзан Исмоилийлар деб ҳам юритилган. Шунинг учун “Мидиён” ва “Исмоил” деган номлар баъзан бир–бирининг ўрнида ишлатилаверган.

[1] Ибтидо 25:1-2

МИДИЯ

Қудратли шоҳлик бўлиб, ҳозирги Эрон мамлакатининг шимоли–ғарбида жойлашган эди. Милоддан олдинги 550 йилга келиб, Мидия Форс шоҳлигининг энг муҳим вилоятига айланди, шу боис Форс қонунлари “Мидия ва Форс қонунлари” деб аталадиган бўлди[1].

[1] Эстер 1:19, Дониёр 6:8

МИДИЯ ВА ФОРС ШОҲЛИГИ

ФОРС ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

МИКОЙИЛ

Муқаддас Китобда иккита фариштанинг номи айтиб ўтилган, биринчиси — Микойил, иккинчиси — Жаброил[1]. Микойил бош фаришталардан бири бўлиб, Исроил халқининг ҳимоячиси деб аталган[2]. Микойил ва унинг қўли остидаги фаришталар шайтон ва унинг ёвуз фаришталари билан жанг қилиб, уларни самодан ҳайдаганлар[3].

[1] Мазкур таржимада Азроил фариштa ҳам айтиб ўтилган, Муқаддас Китобнинг асл нусхасида Азроил “ҳалок қилувчи” деб берилган. [2] Дониёр 10:13, 20-21, 12:1, Яҳудо 9 [3] Ваҳий 12:7-9

МИСР

Қадимги Миср Эски Аҳдда кўп тилга олинган ва дунё тарихида муҳим из қолдирган. Миср ҳукмдорлари “Фиръавн” деб аталарди. Миср цивилизацияси жуда ривожланган бўлиб, халқаро тижоратда ҳам асосий ўрин тутган. Нил дарёсининг сувлари ва ҳосилдор ерлар Миср аҳолисининг озиқ–овқат билан доимо таъминланишига муҳим омил эди. Шунинг учун Ибром, яъни Иброҳим пайғамбар ва унинг оиласи Канъон юртида қурғоқчилик бўлган пайтда Мисрда маълум вақт яшаган[1]. Иброҳим ўғли Исҳоқнинг Юсуф деган невараси бор эди. Юсуфни ўз ака–укалари Исмоилий савдогарларига қул қилиб сотиб юборишади[2]. Лекин вақти келиб, Юсуф фиръавннинг фаровонлик ва қаҳатчилик ҳақидаги кароматли тушини таъбир қилиб бергани учун Миср ҳокими этиб тайинланади[3]. Қаҳатчилик даврида Юсуф Миср халқини ва отаси Ёқубнинг бутун хонадонини қутқариб қолади[4]. Юсуфнинг отаси Ёқуб ва унинг хонадони Канъондан Мисрга кўчиб келади[5]. Бир неча насл ўтгандан кейин Ёқубнинг авлоди Мисрда қул бўлиб қолади[6]. Мусо пайғамбар Худонинг амри билан мўъжизалар кўрсатиб, Исроил халқини қулликдан озод қилади ва Мисрдан олиб чиқади[7].

Миср ҳукмдорлари кўпинча ўз юртидан ташқарида, айниқса Канъон юртига катта сиёсий таъсир ўтказарди ва баъзан атрофдаги ерларга ҳарбий юришлар қиларди. Канъон Мисрдан шимоли–шарқда жойлашган бўлиб, Исроил халқи у ерларда яшар эди. Исроил шоҳи Сулаймон Миср фиръавнининг қизларидан бирига уйланиб, фиръавн билан алоқасини мустаҳкамлади[8]. Пайғамбарлар кўпинча Яҳудони, яъни жанубий шоҳлик аҳолисини, Мисрнинг ҳарбий кучига ишонманглар, деб огоҳлантирганлар[9]. Эски Аҳдда Мисрнинг қисмати ҳақида башоратлар бор[10]. Яҳудо шоҳлиги Бобил шоҳлигига мағлуб бўлгандан кейин Яҳудо аҳолисидан баъзилари Мисрга қочиб кетганлар. Еремиё пайғамбар уларни Мисрда кутиб турган фалокатлар ҳақида огоҳлантирса ҳам, улар Мисрга кетганлар[11].

Милоддан олдинги 525 йилда Форс шоҳлиги Мисрни босиб олди. Икки юз йилдан кейин эса Искандар Зулқарнайн Мисрни ҳеч қандай қаршиликсиз қўлга киритди. У Ўрта ер денгизи бўйида шаҳар қурдириб, унга Искандария деб ном берди ва ўша шаҳарни Мисрнинг янги пойтахти қилди. Кўп яҳудийлар Искандария шаҳрига бориб ўрнашдилар, бу шаҳар узоқ асрлар давомида яҳудийларнинг диний таълим маркази бўлиб келган. Айнан шу шаҳарда милоддан олдинги учинчи асрда Эски Аҳд ибронийчадан илк бор юнон тилига таржима қилинган. Милоддан олдинги 198 йилда Сурия Яҳудия ўлкасини босиб олди. Шунга қадар Яҳудияни Мисрда ҳукмронлик қилган юнон шоҳлари бошқарганлар[12]. Буюк Ҳирод чақалоқ Исони ўлдирмоқчи бўлганда, Уни ота–онаси Мисрга олиб қочган[13].

[1] Ибтидо 12:10-20 [2] Ибтидо 37:25-28 [3] Ибтидо 41:1-44 [4] Ибтидо 41:46-49, 53-57 [5] Ибтидо 45:16-20, 46:1-7 [6] Чиқиш 1:8-14 [7] Чиқиш 2:1-15:21 [8] 3 Шоҳлар 3:1, 9:16 [9] Ишаё 20:1-6, 30:1-7, 31:1-3, Еремиё 2:36-37, 37:5-8 [10] Мисол учун, Ишаё 19:1-25, Еремиё 46:1-26, Ҳизқиёл 29:1-32:32, Дониёр 11:2-45 га қаранг. [11] Еремиё 42:1-44:30 [12] Дониёр 11:5-16 [13] Матто 2:13-15

МОЙ

Муқаддас Китобда мой сўзи остида зайтун мевасидан олинган мой назарда тутилади[1]. Қадимги Исроилда зайтун мойидан кенг фойдаланилган. Жумладан, мойчироқлар учун, теридаги яра ва жароҳатларни даволаш учун зайтун мойи ишлатилган. Шунингдек, бой одамлар баданларини парвариш қилиш учун аъло сифатли зайтун мойидан фойдаланганлар. Баъзан зайтун мойи атир билан аралаштирилиб, ёқимли ҳид таралиши учун сочга, терига суртилган. Бирон одамни руҳоний, пайғамбар ёки шоҳ қилиб тайинлашда бошига аъло сифатли зайтун мойи суртилган. Муқаддас чодирдаги ва Маъбаддаги буюмларни муқаддас қилиш учун ҳам зайтун мойи ишлатилган. Хуллас, мой бирдамлик, фаровонлик, поклик ва Худо Руҳининг қудрати рамзи бўлган.

[1] ЗАЙТУН сўзига қаранг.

МОЙ СУРТИБ ТАНЛАМОҚ

Эски аҳд даврида Худо бирор кишини руҳоний, пайғамбар ёки шоҳ қилиб танлаганда унинг бошига зайтун мойи суртишга амр берар эди[1]. Зайтун мойи Худо Руҳининг рамзи бўлиб, мой суртилган одамнинг покланганини ва унга қудрат ато қилинганини билдирар эди. Шу йўл билан танланган одам, айниқса шоҳ иброний тилида “машиах”, яъни “мой суртиб танланган” деб

аталарди. “Машиах” сўзи кейинчалик унвон сифатида ишлатиладиган бўлди [2]. Муқаддас чодирдаги ва Маъбаддаги буюмлар ҳам зайтун мойи суртиш орқали муқаддас қилинган.

[1] МОЙ сўзига қаранг. [2] МАСИҲ сўзига қаранг.

МОЙЧИРОҚ

Қадимги пайтларда мойчироқдан кенг фойдаланилган. Бу чироқ кичик бир сопол идиш бўлиб, унга зайтун мойи қуйилган. Чироқнинг пилиги бўлган. Металлдан ясалган чироқлар қиммат ҳисобланган.



МУҚАДДАС

Муқаддас Китобда муқаддас сўзи асосан Худога нисбатан ишлатилган. Бу сўз Худонинг бутун борлиқдан устунлигини ва тенгсизлигини билдиради. У танҳо, ҳақиқий Худодир. Худо тамомила пок, гуноҳсиз ва нуқсонсиздир.

Муқаддас сўзи нарсаларга ва одамларга нисбатан ҳам ишлатилган. Бу ҳолда муқаддас сўзи “пок, табаррук, ажратилган, ажратиб олинган, бағишланган” маъноларини ифодалайди. Бу сўз Муқаддас чодирдаги, кейинчалик эса Маъбаддаги буюмларга ва жиҳозларга нисбатан ишлатилган. Муқаддас жой ёки буюм Худога бағишланган бўлиб, уларга нисбатан эҳтиёткорлик ва эътибор билан муносабатда бўлиш талаб қилинган. Муқаддас чодирда, кейинчалик эса Маъбадда хизмат қилган руҳонийлар ҳам муқаддас ҳисобланган. Руҳонийга нисбатан қўлланган муқаддас сўзи унинг Худога хизмат қилишга бағишланганини ва махсус вазифаси бўлганини кўрсатади. Одамлар ва буюмлар Тавротда буюрилган қурбонликлар ва диний маросимлар орқали покланиб, муқаддас қилинганлар. Худо Ўз халқига: “Муқаддас бўлинглар”, деб амр берган. Бунинг мазмуни шундан иборатки, Исроил халқи бошқа халқлардан ажралиб туриши, ўзларини Худога бағишлаб, Унинг қонунларини бажаришлари керак эди.

МУҚАДДАС НОН

Муқаддас чодирдаги хонтахтага, кейинчалик Маъбаддаги хонтахтага қўйилган ўн иккита хамиртурушсиз нон. Бу нонлар Эгамизнинг ҳузуридаги хонтахтага қўйилган, шунинг учун ибронийчада “ҳузуридаги нон” деб аталган. Нонлар хонтахтада бир ҳафта тургач, янги ёпилган ўн иккита нон билан алмаштирилган. Хонтахтадан олинган нонларни фақат руҳонийлар ейишган[1]. Муқаддас нонлар Эгамизнинг ҳузурини билдирувчи рамз бўлиб, Худо Исроил халқининг қудрати ва таъминловчиси эканлигидан ҳам дарак бериб турган.

[1] Левилар 24:5-9

МУҚАДДАС РУҲ

ХУДОНИНГ РУҲИ иборасига қаранг.

МУҚАДДАС ХОНА

Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Маъбаднинг кираверишидаги катта хонаси[1]. Муқаддас хонада олтиндан ясалган тутатқи қурбонгоҳи, олтин чироқпоя ва муқаддас нонлар турадиган хонтахта бор эди. Муқаддас хонани Энг муқаддас хонадан катта парда ажратиб турарди. Тавротга кўра, руҳоний бир кунда икки марта — эрталаб ва кечқурун Муқаддас хонага кириб, олтин қурбонгоҳда тутатқи тутатарди. Муқаддас хонага фақат руҳонийлар киришга ҳақли эдилар. Яна ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА иборасига қаранг.

[1] Луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимига қаранг.

МУҚАДДАС ХУДО

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

МУҚАДДАС ЧОДИР

Исроил халқи Худога сажда қилишда ишлатган чодир[1]. Исроил халқи Синай тоғида турганда, Худо Мусога Муқаддас чодирни ва унинг ҳамма жиҳозларини ясашни буюриб, уларнинг аниқ намунасини кўрсатган[2]. Бу чодирни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин эди. Муқаддас чодир термини чодирнинг ўзига нисбатан ҳам, унинг атрофидаги махсус тўсиқлар билан ажратилган ерга нисбатан ҳам ишлатилади. Муқаддас чодирнинг Энг муқаддас хонасида Аҳд сандиғи сақланган. Бу чодир Учрашув чодири деб ҳам аталган. Исроил халқи

қурбонликлар келтирганда Худо Ўз халқи билан учрашиш учун шу чодирда зоҳир бўлар эди[3]. Кейинчалик шоҳ Сулаймон Худога атаб, Қуддусда Маъбад қурдирди.

Муқаддас Китобда Муқаддас чодир баъзан “муқаддас маскан” ёки “муқаддас макон” деб айтилган. Ибронийларга мактубда самодаги Чодир бир неча марта тилга олинган. Исо Масиҳ мана шу самовий Чодирнинг Энг муқаддас хонасида олий руҳоний бўлиб хизмат қиляпти[4].

[1] Муқаддас чодирнинг расми луғатдан кейин илова қилинган “Расмлар ва лойиҳалар” бўлимида берилган. [2] Чиқиш 25:8-9, 26:1-37, 27:9-19 [3] Чиқиш 29:42-43 [4] Ибронийлар 8:1-2, 9:11-12, 24

МУҲР

Ип билан бўйинга осиладиган цилиндр шаклидаги буюм ёки муҳр узуги. Қадимда бирорта хатни ёки ҳужжатни расмийлаштириш учун, унга мум, қўрғошин ёки бирор юмшоқ модда суртилиб сурғучланган, устидан муҳр босилган. Бу муҳр хат ёки ҳужжат юбораётган одамнинг ҳокимиятини билдириб, хат ёки ҳужжатнинг расмийлигини кўрсатар эди.



МЎАБ, МЎАБ ХАЛҚИ, МЎАБЛИКЛАР

Бу халқ Иброҳимнинг жияни Лут наслидан эди. Лутга қизлари шароб бериб, маст қилиб қўйгач, катта қизи отаси ёнига кириб, отасидан ҳомиладор бўлган ва ўғли Мўабни туққан эди[1]. Мўаб халқи Мўаб юртида яшарди. Бу юрт Ўлик денгизнинг шарқидаги ясси тепаликда жойлашган бўлиб, ери ҳосилдор эди. Мўаб халқи худо Хамўшга сажда қиларди. Мўаб тили иброний тилига яқин эди. Аммо улар Исроил халқининг душмани эдилар. Исроил пайғамбарлари Мўаб халқининг аянчли қисмати ҳақида кўп башорат қилганлар[2]. Бобилликлар уларни қириб ташлагандан кейин, бу халқ ном–нишонсиз йўқ бўлиб кетди.

[1] Ибтидо 19:30-38 [2] Ишаё 15-16–боблар, Еремиё 48–боб, Зафаниё 2:8-11

МЎЛАХ

Оммон халқининг худоси[1]. Одамлар ўз фарзандларини қурбонлик қилиш орқали Мўлахга сажда қилар эдилар. Худонинг қонунларида бундай одат қатъиян ман этилган. Аммо Қуддусга яқин жойдаги Хиннум сойлигида ҳатто Исроил халқи ҳам Мўлахга сажда қилиб, фарзандларини қурбонлик қилгани кузатилган[2].

[1] 3 Шоҳлар 11:7 [2] Левилар 18:21, 20:2-5, Еремиё 32:35

НАЖОТ

Иброний ва юнон матнларида “нажот” тушунчасини ифодалайдиган бир нечта сўз ишлатилган бўлиб, улар мазкур таржимада “нажот, қутқармоқ, халос қилмоқ, озод қилмоқ” каби сўзлар билан берилган. Бу сўзлар одамларнинг ва бутун бир халқнинг душманлардан ёки уларнинг ҳаётига хавф солаётган бошқа нарсалардан халос бўлишини ифодалайди.

Эски Аҳдда бирорта одам маълум бир вазиятда бошқаларни хавф–хатардан қутқарганда “қутқарувчи” деб аталган[1]. Аксарият ҳолларда эса “Қутқарувчи, Халоскор ва Нажоткор” деган ном Худонинг Ўзига нисбатан ишлатилган[2]. Исроил халқи тарихидаги энг буюк воқеалардан бири уларнинг Мисрдаги қулликдан озод бўлганидир. Худо Мусо орқали мўъжиза кўрсатиб, Ўзининг Қутқарувчи эканлигини намоён қилган[3]. Худо Исроил халқини кўп маротаба қутқаргани учун, улар, келажакда Эгамиз бизни барча душманлардан ва ёвузликдан халос қилади, деган умидда ўша вақтни интизорлик билан кутганлар. Яна Эски Аҳдда пайғамбарлар башорат қилиб, Худо Ўзининг солиҳ қулини юборади ва инсонларни гуноҳлардан халос қилади, деб айтганлар. Башоратларга кўра Худонинг бу содиқ қули пайғамбар Довуднинг авлодидан келиб чиқарди[4].

Янги Аҳдда баён қилинишича, одамлар Исо Масиҳнинг ўлими ва тирилишига ишониш орқали гуноҳдан халос бўладилар[5]. Демак, ҳар бир инсон миллати, ирқи ва маданиятидан қатъий назар, нажотга эришиши мумкин[6]. Бу нажот одамнинг

қилган савоб ишларига боғлиқ эмас. Одам фақатгина Худонинг марҳамати ва инояти туфайли гуноҳларидан фориғ бўлиб, Исо Масиҳ орқали абадий ҳаётга эга бўлади[7]. Исо Масиҳга имон келтириб, тавба қилган ҳар бир инсонни Худо кечиради[8]. Шунинг учун Худонинг Ўзи ҳам, Исо Масиҳ ҳам "Нажоткор" деб аталади[9].

Исо Масиҳга имон келтирган одам Худо билан ярашгани учун бу дунёдаёқ нажотга эришган деб ҳисобланади[10]. Нажотга эришган ҳар бир инсоннинг ҳаётида Муқаддас Руҳ амал қилади[11]. Нажот узлуксиз бир жараён бўлиб, унга эришган ҳар бир инсоннинг фикрлаши ва хулқ–атвори ўзгаради ва бундай инсон ўз ҳаётини Худони мамнун қилиш ниятида яшайди[12]. Масиҳийлар қиёмат куни ҳам ҳукм қилинмайдилар[13]. Масиҳнинг хочдаги ўлими ва тирилиши туфайли улар бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам нажотга эгадирлар[14]. Шу сабабдан имонлилар ўлгандан кейин Худо билан бирга жаннатда бўлишларига қатъий ишонадилар[15].

[1] Ҳакамлар 3:9, 15, Нахимиё 9:27 [2] 2 Шоҳлар 22:2-3, 1 Солномалар 16:35, Забур 33:5-8, 18-20, 39:18, 77:35, Ишаё 43:3, 11, 49:26, Дониёр 6:27 [3] Чиқиш 14:1-31, 15:1-21 [4] Ишаё 42:1-4, 52:13-53:12, Ҳизқиёл 37:23-25, Закариё 3:8-9 га ва МАСИҲ сўзига қаранг. [5] Матто 1:21, Луқо 2:10-11, 30-31, Ҳаворийлар 4:11-12, Римликлар 5:9-10 [6] Ҳаворийлар 17:30-31, Римликлар 1:16-17, 10:12-13 [7] Римликлар 3:20-24, Эфесликлар 2:8-9 [8] Ҳаворийлар 2:38-39, 10:43, 16:30-31, Римликлар 10:9-10 [9] Луқо 1:47, 69-70, 2:11, Ҳаворийлар 5:31, Филиппиликлар 3:20, 1 Тимўтий 1:1, 2:3, 2 Тимўтий 1:10, Титус 1:3-4 [10] Римликлар 8:24, 29-30, Эфесликлар 2:4-6, 2 Тимўтий 1:9 [11] Римликлар 8:15-16, 2 Коринфликлар 1:21-22, Эфесликлар 1:13-14 [12] 1 Бутрус 2:1-3, 1 Коринфликлар 1:18 [13] Юҳанно 3:15-16, 36, 5:24, 6:40, 1 Юҳанно 4:15-17, 5:13, Римликлар 8:1-2, Филиппиликлар 1:28, Ибронийлар 9:27-28 [14] 1 Бутрус 1:3-5, 2 Бутрус 1:3-8, Титус 3:4-7 [15] Луқо 23:42-43, 2 Коринфликлар 5:1-2, 6-8, Филиппиликлар 1:21-23, 1 Салоникаликлар 4:16-17, 5:9-10, Ваҳий 22:3-5

НАЗР

Одамлар Худога сажда қилиб, ўз ишончини ва ҳурмат–эҳтиромини билдириш учун берадиган нарса. Таврот қонуни бўйича иккита назр тури бўлиб, булар қуйидагилардир:

ДОН НАЗРИ

Дон назри аъло сифатли буғдой унидан ёки турли тарзда тайёрланган хамиртурушсиз нондан иборат эди[1]. Бу назрнинг бир қисми ёки ҳаммаси қурбонгоҳда куйдирилган, куйдирилмаган қисми эса руҳонийларга берилган. Дон назри одатда бошқа бирор қурбонликка, мисол учун, куйдириладиган ёки тинчлик қурбонлигига қўшиб келтирилган[2].

[1] Левилар 2:1-16, 6:14-23 [2] ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

ШАРОБ НАЗРИ

Одатда шароб назри куйдириладиган ёки тинчлик қурбонлигига қўшиб келтириларди. Шароб назри қурбонгоҳга қуйилганда ва қурбонлик куйдирилганда, Худога ёқимли ҳид борарди[1].

[1] Чиқиш 29:40-41 га ва ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

НОДОН

АҲМОҚ, НОДОН сўзларига қаранг.

ОЛИЙ КЕНГАШ

Янги Аҳд даврида яҳудийларнинг сиёсий ва диний кенгаши. Бу кенгаш бош руҳонийлардан, Таврот тафсирчилари ҳамда обрўли одамлардан иборат эди. Олий кенгашнинг 70 га яқин аъзоси бор эди. Олий руҳоний кенгашнинг бошлиғи эди. Кенгаш аъзолари яҳудийларнинг ижтимоий, сиёсий ва динга оид масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга эдилар, аммо Олий кенгаш чиқарган муҳим қарорлар Рим ҳукумати томонидан тасдиқланиши керак эди. Масалан, Олий кенгаш бирортасини ўлимга ҳукм қилиши мумкин эди, аммо фақатгина Рим ҳукумати мана шу ҳукмни ижро қила оларди. Юртда тинчликни сақлаб туриш учун Олий кенгаш яҳудийларнинг ҳам, Рим ҳукуматининг ҳам манфаатини кўзлар эди.

ОЛИЙ РУҲОНИЙ

РУҲОНИЙ сўзига қаранг.

ОЛТИН ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

ОЛТИН ХОНТАХТА

Акас ёғочидан ясалган, усти олтин билан қопланган хонтахта. Бу хонтахта Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Қуддусдаги Маъбаднинг Муқаддас хонасида турар эди. Муқаддас нонлар мана шу хонтахтанинг устига қўйилар эди[1].

[1] Чиқиш 25:23-30, 26:35



ОММОН ХАЛҚИ

Бу халқ Иброҳимнинг жияни Лут наслидан эди. Лутга қизлари шароб бериб, маст қилиб қўйгач, кенжа қизи отаси ёнига кириб, отасидан ҳомиладор бўлган ва ўғли Баноммини туққан эди[1]. Баноммидан Оммон халқи келиб чиқди. Оммон халқи худо Мўлахга сажда қилган. Улар Иордан дарёсининг шарқида яшаганлар. Оммон халқи Исроил халқининг душмани бўлиб, Филист халқи билан иттифоқ тузган. Оммон юртининг пойтахти ўша даврда Оммон шаҳри бўлиб, ҳозирда Иордания мамлакатининг пойтахтидир.

[1] Ибтидо 19:30-38

ОМОЛЕК ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Омолек халқи кўчманчи халқ бўлиб, асосан Ўлик денгизнинг жануб ва шарқ томонида яшаган. Исроил халқи Мисрдан чиқиб келаётганда, Омолек халқи уларга ҳужум қилган эди. Ўшандан бошлаб Омолек халқи Исроил халқининг душмани бўлиб қолди[1]. Худо Исроил халқига: “Омолек халқини ҳалок қилиб, уларнинг номини ер юзидан ўчиринглар”, деб амр берган эди. Яҳудо шоҳи Ҳизқиё давридагина Исроил халқи Худонинг бу амрини бажариб, Омолек халқини қириб ташлади[2].

[1] Чиқиш 17:8-16, Қонунлар 25:17-19, 1 Шоҳлар 15:2, 30:1-5
[2] 1 Солномалар 4:43

ОРАМ

Бу ном Эски Аҳдда орамийчада сўзлашувчи халқлар яшайдиган бир нечта ҳудудга нисбатан ишлатилган. Бу ҳудудларнинг бири Фурот дарёси бўйида, ҳозирги Сурия мамлакатининг шимолида ва ҳозирги Туркиянинг жануби–шарқида эди. Иброҳим пайғамбар бирмунча вақт айнан ўша ҳудудда истиқомат қилган, унинг қариндошларидан баъзилари ўша ерда яшаб қолганлар. Фурот дарёсидан ғарбга ва жанубга чўзилган, Канъон ҳудудига яқин бўлган ерларга нисбатан ҳам Орам номи ишлатилиб, Дамашқ шаҳри бу ерларнинг маркази ҳисобланган. Бу ҳудудларнинг ҳаммаси Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олингандан кейин Сурия номи билан танилган. Яна СУРИЯ сўзига қаранг.

ОРАМИЙЧА

Ибронийчага яқин бўлган тил. Даврлар ўтган сари бу тил халқаро тилга айланиб, ҳозирги Яқин Шарқ деб аталадиган ерларда савдо–сотиқ, тижорат ва ижтимоий–сиёсий доираларда ишлатиладиган тил бўлиб қолди. Оссуриянинг туб аҳолиси орамий тилида сўзлашарди. Шу сабабдан, орамий тили Оссурия томонидан босиб олинган ерлардаги халқларнинг, Оссурия юртида, кейинчалик эса Бобил ва Форс юртларида яшаган ажнабий асирларнинг сўзлашув тилига айланди. Шунинг учун Эски Аҳднинг баъзи бир қисмлари орамий тилида ёзилган[1]. Исо Масиҳ даврида қадимги Фаластинда яшаган яҳудийлар одатда орамий тилида сўзлашганлар. Янги Аҳдда орамийча сўзлар, иборалар ва номлар кўп учрайди, аммо улар асл матнда юнонча ҳарфлар билан ёзилган.

[1] жумладан, Эзра 4:8-6:18, 7:12-26, Дониёр 2:4-7:28

ОРАМИЙЧА МАТН

Эски Аҳднинг энг қадимий тўлиқ ибронийча қўлёзмаси *Ленинград Кодекси*дир. Бу қўлёзма тахминан милодий 1000 йилларда кўчирилган. Мазкур қўлёзманинг нашр қилинган нусхаси *Библия Хебраика Стутгартенсия* деб аталади[1]. Эски Аҳднинг бу қўлёзмасидаги бир нечта парча орамий тилида ёзилган[2].

[1] ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг. [2] ОРАМИЙЧА сўзига қаранг.

ОСМОН ШОҲЛИГИ

Худонинг инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлигига ва ҳар бир яратилган мавжудотнинг охиратда янгиланишига ишора. Бу ибора фақатгина Матто китобида ишлатилган бўлиб, “Худонинг Шоҳлиги” маъносини билдиради. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ иборасига қаранг.

ОСМОН, САМО

Муқаддас Китобда бу сўзлар остида Худо

яратган осмон назарда тутилган[1]. Аммо осмон ва само сўзлари кўпинча Худонинг ва фаришталарнинг масканини ҳам билдиради[2]. Янги Аҳдда баён қилинишича, Исо Масиҳ осмондан тушган ва ўлиб тирилгандан кейин яна осмонга кўтарилган[3]. Охиратда Исо осмондан келиб, ўликларни тирилтиради[4]. Шу куни Худо солиҳларга абадий ҳаётни мукофот қилиб беради, улар Худо билан бирга жаннатда яшайдилар[5]. Бу дунёда яшаётган Исонинг издошлари самони ҳақиқий ватан деб билишлари[6], ўша ватанга кўз тикиб яшашлари керак[7].

[1] Ибтидо 1:6-8, 14-18 [2] Аюб 22:12, Забур 10:4 [3] Юҳанно 3:13, 6:41-51, 14:2-3, 20:17, Луқо 24:50-51
[4] 1 Салоникаликлар 4:16-17 [5] Матто 5:12, 25:34, 46, 1 Бутрус 1:4, 2 Коринфликлар 5:1-2, Филиппиликлар 3:13-14, Ибронийлар 12:22-24, Ваҳий 21:1-4, 22:1-5
[6] Филиппиликлар 3:20 [7] Матто 6:20-21, Колосаликлар 3:1-2, Ибронийлар 11:13-16

ОССУРИЯ

Қадимги қудратли шоҳлик. Унинг пойтахти Найнаво[1] ҳозирги шимолий Ироқда жойлашган эди. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олдилар[2]. Улар Исроил халқининг аксарият қисмини асир қилиб олиб кетдилар[3]. Оссурия шоҳи бошқа халқларни Исроил юртига мажбурлаб кўчирди[4]. Исроил юртида қолган одамлар эса ўша ажнабийлар билан қуда–андачилик қилдилар. Уларнинг авлодлари Янги Аҳдда айтиб ўтилган Самарияликлардир[5]. Милоддан олдинги 612 йилда иттифоқдош душман лашкарлари Бобил ва Мидия бошчилигида Найнавони вайрон қилдилар. Кўп ўтмай Оссурия шоҳлиги ўз мустақиллигини йўқотди.

[1] Ниневия номи билан ҳам маълум [2] ИСРОИЛ сўзига қаранг. [3] 4 Шоҳлар 17:1-6 [4] 4 Шоҳлар 17:24
[5] САМАРИЯЛИК сўзига қаранг.

ОТА, ОТАМ ХУДО, ОТАМИЗ ХУДО…

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ПАЙҒАМБАР

Худонинг хабарини одамларга етказадиган инсон. Эски аҳд даврида Исроил халқининг пайғамбарлари халқни гуноҳдан тавба қилишга ва Худога юз буришга даъват қилганлар. Баъзан улар ҳатто ҳукмдорларнинг ва ажнабий халқларнинг гуноҳларини фош қилиб, уларни ҳам тўғри йўлдан юришга чақирганлар. Пайғамбарлар ўз хабарлари орқали келажакда содир бўладиган воқеалар ҳақида башорат қилганлар, одамларга далда берганлар ва юз берадиган фалокатлардан халқни огоҳлантирганлар. Одатда улар хабарларида турли рамзий образлардан фойдаланганлар. Баъзи пайғамбарларнинг ёзиб қолдирилган башоратлари, ваҳийлари ва хабарлари кейинчалик Эски Аҳд таркибига киритилиб, бу битиклар ўша пайғамбарларнинг номлари билан аталган. Янги Аҳд даврида Худо баъзи масиҳийларни пайғамбарлик хизматига тайинлаган[1]. Бу пайғамбарлар имонлиларга Худонинг сўзини етказганлар[2]. Баъзан улар Муқаддас Руҳ илҳоми билан башорат ҳам қилганлар[3]. Муқаддас Китобда сохта пайғамбарлар ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Улар Худодан хабар келтиряпмиз, деб одамларни алдаб, йўлдан урганлар.

[1] 1 Коринфликлар 12:28, Эфесликлар 4:11-12
[2] 1 Коринфликлар 14:1-5, 29-33 [3] Ҳаворийлар 11:27-28, 21:10-11

ПАРВАРДИГОР ЭГАМ, ПАРВАРДИГОР ЭГАМИЗ

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМ

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ПАРИЗ ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Париз халқи Канъоннинг ўрта қисмидаги қирли жойларда яшаган. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

ПОКЛАНИШ КУНИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

ПУРИМ БАЙРАМИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

РАББИЙ ХУДО, РАББИМ ХУДО, РАББИМИЗ ХУДО

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ…

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

РАББИМИЗ ИСОНИ ХОТИРЛАШ УЧУН НОН СИНДИРИШ

ҚУТЛУҒ КЕЧА иборасига қаранг.

РОМЛАР

Муқаддас чодирнинг махсус ясалган

қисмлари. Кумуш тагликларга ўрнатилган ромлар тик қилиб, ёнма–ён қўйиларди. Чодирнинг икки ён девори ва орқа девори шу ромлардан иборат бўлган.



РУҲОНИЙ

Диний хизмат ва маросимларни ўтказиш учун махсус тайёрланган киши. Қадимги Исроилда Тавротга кўра, руҳоний Леви қабиласидан, Мусонинг акаси Ҳорун авлодидан бўлиши шарт эди. Руҳонийлар Муқаддас чодирда, кейинчалик Қуддусдаги Маъбадда хизмат қилганлар. Улар сажда қилишда бош бўлардилар, қурбонликлар келтирардилар, диний расм–русум ва маросимлар ўтказардилар. Руҳонийларга хизматда левилар ёрдам берардилар[1]. Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасига, кейинчалик эса Маъбаднинг Муқаддас хонасига фақатгина руҳонийлар киришга ҳақли эдилар. Руҳонийларга Исроилда ер улуш қилиб берилмаган эди. Тавротга кўра, улар келтирилган қурбонликлардан улуш олиб, кундалик эҳтиёжларини қондиришарди[2]. Руҳонийларга одамлар орасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш ва Худонинг қонун–қоидаларини халққа ўргатиш вазифаси топширилган эди.

[1] ЛЕВИ, ЛЕВИЛАР сўзларига қаранг. [2] Саҳрода 18:8-20

ОЛИЙ РУҲОНИЙ

Исроил халқининг энг муҳим ва энг юқори лавозимдаги руҳонийси. Олий руҳоний ўз вазифасини адо этиш учун махсус либослар кийган. Бу либослар эфод, ридо, нақшли кўйлак, салла, белбоғ ва ўн иккита қимматбаҳо тош қадалган кўкракпечдан иборат эди[1]. Олий руҳоний бир йилда бир марта — Покланиш кунида ўзининг энг муҳим вазифасини бажарган. Ўша куни олий руҳоний Муқаддас чодирнинг, кейинчалик Маъбаднинг Энг муқаддас хонасига кирган. Бу хонада у ўзини ва Исроил халқини гуноҳдан поклаш маросимини ўтказган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ПОКЛАНИШ КУНИ иборасига қаранг.

[1] Чиқиш 28–боб ва Левилар 8:6-9



РЎЗА ТУТИШ

Муқаддас Китобда рўза муҳим аҳамиятга эгадир. Инсон иложсиз вазиятларга тушиб қолганда, савоб учун эмас, балки тоат–ибодатга берилиб, Худонинг мададига муҳтожлигини кўрсатиш мақсадида рўза тутади. Инсоннинг ҳаётида жиддий муаммолар пайдо бўлганда овқат ейиш каби жисмоний эҳтиёжлар аҳамиятсиз бўлиб кўринади.

Тавротга кўра, Исроил халқи гуноҳларидан тавба қилганини кўрсатиш

учун Покланиш куни рўза тутиши керак эди[1]. Шунингдек, Исроил халқи Бобилда сургунда бўлганда ҳам, сургундан кейинги даврларда ҳам қайғули воқеаларни хотирлаш мақсадида ҳар йили рўза тутган. Маъбаднинг вайрон қилинганини хотирлаб рўза тутганлари бунинг бир мисолидир[2].

Белгиланган рўзалардан ташқари, Исроил халқи бошқа ҳолатларда ҳам рўза тутган. Масалан, бирортаси яқин одамининг ўлимидан кейин ўз қайғусини ифода этиш[3], мушкул вазиятда Худодан ёрдам сўраш[4], ўз гуноҳидан тавба қилганини ёки бошқаларга ҳамдардлигини кўрсатиш мақсадида рўза тутган[5]. Рўза одатда ибодат билан боғлиқ бўлиб, Худодан йўл–йўриқ олиш ва мадад тилаш учун[6], бировнинг мушкулини осон қилиш учун тутиларди[7]. Исроил халқи орасида, рўза тутган одам Худодан албатта жавоб олади, деган қараш кенг тарқала бошлаган эди[8]. Аммо Эски Аҳд давридаги пайғамбарлар бу қарашнинг мутлақо нотўғри эканини айтганлар. Уларнинг таъкидлашича, одам рўзани худбин ниятда тутиши керак эмас, аксинча рўза пайтида инсоннинг ўй–хаёли ва хатти–ҳаракатлари Худога манзур бўлиши шарт[9].

Янги Аҳд даврида яҳудий дин арбоблари ва уларнинг шогирдлари ҳафтада икки мартадан рўза тутишган. Аммо Исо Масиҳнинг шогирдлари Унинг ер юзидаги хизмати пайтида рўза тутмаганлар, Исо осмонга кўтарилгандан кейин эса рўза тутадиган бўлдилар[10]. Исо Масиҳнинг таълимоти бўйича, одам бошқаларнинг эътиборини ўзига жалб қилмасдан рўза тутиши керак[11].

[1] Левилар 16:29-31, 23:26-29 [2] Закариё 7:3-5, 8:19 оятларга ва Закариё 8:19 изоҳига қаранг. [3] 2 Шоҳлар 1:12 [4] Нахимиё 1:4, Эстер 4:3 [5] 1 Шоҳлар 7:6, Эзра 10:6, Нахимиё 9:1-2, Дониёр 9:3-4, Юнус 3:5-8 [6] 2 Шоҳлар 12:15-23, 2 Солномалар 20:3-4, Эзра 8:21-23 [7] Эстер 4:15-17, Забур 34:13 [8] Ишаё 58:3 [9] Ишаё 58:3-12, Еремиё 14:10-12 [10] Марк 2:18-20, Ҳаворийлар 13:2-3, 14:23 [11] Матто 6:16-18

САДДУҚИЙ

Исо Масиҳ даврида яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Бу мазҳаб асосан руҳонийлардан ва зодагонлардан иборат эди. Саддуқийлар катта сиёсий кучга эга бўлиб, Маъбад маъмуриятига ҳам ҳукмини ўтказардилар. Олий кенгаш аъзоларининг кўпчилиги Саддуқийлардан эди. Фарзийлардан фарқли равишда, улар оғзаки тарқалган урф–одатларни қабул қилмасдилар, фақат Тавротда ёзилган қонун–қоидаларга риоя қилардилар, ўликларнинг тирилишига ҳам ишонмас эдилар. Исо билан Саддуқийлар орасида кўп келишмовчиликлар бўлган.

САМАРИЯ

Милоддан олдинги 885-874 йилларда ҳукмронлик қилган шоҳ Омри давридан бошлаб, Самария Исроилнинг, яъни шимолий шоҳликнинг[1] пойтахти бўлди[2]. Эски Аҳдда баъзан Самария деган ном Исроил шоҳлиги ўрнида ҳам ишлатилган[3]. Янги Аҳдда эса бу ном остида Иордан дарёсининг ғарбидаги, Жалиладан жанубдаги ерлар назарда тутилган. Самария Рим империясининг Яҳудия вилояти ҳудудида эди.

[1] ИСРОИЛ сўзига қаранг. [2] 3 Шоҳлар 16:23-24 [3] 3 Шоҳлар 13:32, 4 Шоҳлар 17:24

САМАРИЯЛИК

Янги Аҳд даврида Самарияда туғилган одам[1]. Милоддан олдинги 722 йилда Оссурияликлар Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олгандан кейин аҳолисининг аксарият қисмини асир қилиб олиб кетдилар. Самария ҳудудига эса ажнабий халқлар мажбуран кўчирилди[2]. Бир неча асрлардан кейин юнонлар ҳам бу жойларга ўрнашиб олганлар. Шунинг учун Рим империяси даврида Самария аҳолисининг этник таркиби аралаш бўлган. Самарияликлар ва яҳудийлар орасида адоват бор эди. Самарияликлар фақатгина ўзларининг Тавротини Худо юборган муқаддас битик деб билардилар. Уларнинг Таврот нусхаси яҳудийларнинг Тавротидан фарқ қилар эди. Самарияликлар Худога Қуддусда эмас, балки Гаризим тоғида сажда қилганлар[3]. Улар тахминан милоддан олдинги 400 йилда Гаризим тоғида маъбад қурганлар. Бу маъбад тахминан милоддан олдинги 128 йилда яҳудийлар томонидан вайрон қилинган. Бунинг оқибатида яҳудийлар ва Самарияликлар орасидаги адоват янада кучайган.

[1] САМАРИЯ сўзига қаранг. [2] 4 Шоҳлар 17:1-6, 24-41 [3] Юҳанно 4:20 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

САМО

ОСМОН, САМО сўзларига қаранг.

САМОВИЙ ХУДО
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

САНДИҚ
АҲД САНДИҒИ иборасига қаранг.

САНДИҚНИНГ ҚОПҚОҒИ
АҲД САНДИҒИНИНГ ҚОПҚОҒИ иборасига қаранг.

САРВАРИ ОЛАМ
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

САРДОБА
Ёмғир сувини тўплаш ва сақлаш учун барпо қилинган сунъий ҳовуз. Чуқур қазилгандан кейин чуқурнинг ҳамма ёғига тошлар зич қилиб териб чиқиларди, тошлар усти сувалиб, шу тариқа сардобалар ясаларди. Бундан ташқари, сардобалар катта қояларни ўйиб ҳам ясаларди.



СЕВМОҚ
Иброний ва юнон матнларида “севги” тушунчасини ифодалайдиган бир нечта сўз ишлатилган бўлиб, улар мазкур таржимада “севги, муҳаббат, севмоқ, яхши кўрмоқ” каби сўзлар билан берилган. Муқаддас Китобда бу сўзлар нафақат одамларнинг ўзаро муносабатини, балки уларнинг Худо билан бўлган яқин муносабатини кўрсатиш учун ҳам ишлатилган. Одатда ўзаро муносабат ўрнатиб, аҳд[1] тузган икки томон бир–бирига нисбатан садоқатли ва илтифотли бўлиши талаб этилади.

Эски Аҳдда бунинг энг ёрқин мисоли Худонинг Исроил халқи билан бўлган муносабатидир. Исроил халқи Худонинг севгисини қозонмаган бўлса ҳам, Худо уларни қанчалик севишини кўрсатиш учун улар билан аҳд тузишга қарор қилган[2]. Бу аҳднинг шартига кўра, Исроил халқи Эгаси Худони бутун қалби билан, жону дили билан, бутун вужуди билан севиши ва Унинг амрларини бажариши керак эди[3]. Ўша амрлардан бирида айтилиши бўйича инсон ўзгани ўзини севгандай севиши керак[4].

Исо Масиҳ Худони ва бошқаларни севиш ҳақидаги амрларни Тавротнинг энг муҳим амрлари деб ҳисоблаган[5]. У Ўз шогирдларига, бир–бирингизни севинглар, амрларимга амал қилинглар, деб буюрган[6]. Исонинг Ўзи ҳам самовий Отасини қанчалик севишини кўрсатиш учун Унинг амрларини тўлиқ бажарган[7].

Худо бутун одамзодга бўлган севгисини кўрсатиш мақсадида бу дунёга Ўзининг ягона Ўғли Исо Масиҳни юборган эди. Исо Масиҳ одамзоднинг гуноҳи учун қурбон бўлди. Исога ишонган ҳар бир инсон гуноҳларидан бутунлай покланади ва абадий ҳаётга эга бўлади[8]. Худо севги манбаи бўлгани учун Унга ишонганлар ҳам Худодан намуна олиб, бир–бирларини яхши кўришлари керак[9].

[1] АҲД сўзига қаранг. [2] Қонунлар 7:6-9 [3] Қонунлар 6:5, 11:1 [4] Левилар 19:18 [5] Марк 12:28-34 [6] Юҳанно 13:34-35, 14:15, 21-24, 15:12, 17 [7] Юҳанно 14:31, 15:9-10 [8] Юҳанно 3:16, 1 Юҳанно 4:9-10, Римликлар 5:8 [9] 1 Юҳанно 4:7-8, 11-12, 16, 19-21

СИДОН
ФИНИКИЯ сўзига қаранг.

СИНАГОГА
Яҳудийлар тоат–ибодат қилишлари, Муқаддас битикларни ўқиб–ўрганишлари ва диний таълим олишлари учун йиғиладиган жой, ибодатхона. Синагогаларда қурбонликлар келтирилмаган, қурбонликлар фақат Қуддусдаги Маъбадда келтирилар эди.

СИОН
Шоҳ Довуд Ёбус халқидан тортиб олган Қуддуснинг бир қисми Сион қалъаси деб аталарди[1]. Бу жой Довуд қалъаси деб ном олди. Кейинчалик эса Маъбад қурилган тепалик Сион тоғи деб аталадиган бўлди. Эски Аҳддаги шеърий парчаларда ва пайғамбарлар битикларида Сион сўзи кўпинча Қуддус шаҳрига ёки Худонинг халқига нисбатан ишлатилган.

[1] 2 Шоҳлар 5:6-9

СИПОҲ

Қадимда шоҳнинг лашкари сафида хизмат қилган жангчи.

СОВУРИШ, ШОПИРИШ



СОВУТ

Танани найза, қилич ёки ўқ зарбидан сақлаш учун кийиладиган зирҳли ҳарбий кийим. Совутлар одатда ҳайвон терисидан қилинган, аммо баъзан темир ва бронзадан ишланган. Темир ва бронза совутлар жуда қиммат бўлган. Камонкашлар ва аравакашлар жанг пайтида ҳимояланиш мақсадида совут кийганлар, чунки уларнинг қўллари банд бўлгани учун қалқон кўтара олмасдилар. Баъзан жанг отларига ҳам совут кийдирилган.

СОЙЛИК

Икки адир оралиғидаги пастлик. Яқин Шарқда баъзи сойликлар водий каби кенг, баъзилари эса жар каби чуқур ва тор бўлади. Ёғингарчилик мавсумида сойликда сув оқади, бошқа пайтларда эса суви қуриб қолади.

СУВГА ЧЎМДИРМОҚ, СУВГА ЧЎМДИРИЛМОҚ

Муҳим диний маросимлардан бири бўлиб, бу маросим орқали инсон ўзини Худога бағишлаганини кўрсатарди. Таврот қонунлари бўйича, инсон нопокликдан тозаланиш учун сув билан ювиниб, покланиш маросимини ўтказар эди[1]. Кейинчалик, Исо Масиҳ даврида Яҳё пайғамбар одамларни сувга чўмдирилишга даъват этган. Бу сувга чўмдирилиш маросими, инсоннинг гуноҳдан юз ўгирганини ва ҳаётини Худога бағишлаб, Унга итоаткорлик билан яшашга қарор қилганини билдиради. Исо Худонинг иродасини тўла бажариш учун Яҳё томонидан сувга чўмдирилган[2]. Исо бутун юрт бўйлаб таълим бериб юрганда, унинг шогирдлари ҳам Яҳёга ўхшаб одамларни сувга чўмдирар эдилар[3].

Исо Масиҳ осмонга кўтарилиб кетишидан олдин шогирдларига: “Боринглар, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдиринглар”, деб амр берган[4]. Ўша пайтдан бери сувга чўмдирилиш маросими Исонинг ўлими ва тирилишининг тимсоли бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Сувга чўмган инсон эски ҳаёти учун ўлиб, янги ҳаёт учун тирилган ҳисобланади[5]. Сувга чўмдирилиш яна имонлилар Исонинг қони орқали гуноҳдан покланганининг ҳам тимсолидир[6].

[1] Мисол учун, Чиқиш 29:1-4, 30:17-21, Левилар 14:8-9, Саҳрода 8:7 га қаранг, яна Забур 50:4, Ҳизқиёл 36:25 га қаранг. [2] Матто 3:13-15 [3] Юҳанно 3:22-26, 4:1-3 [4] Матто 28:18-20 [5] 1 Бутрус 3:21, Римликлар 6:1-5, Колосаликлар 2:12 [6] Ҳаворийлар 22:16, 1 Юҳанно 1:7, Ибронийлар 10:10, 22

СУРГУН

Бу сўз остида одатда Исроил ва Яҳудо шоҳликлари душманлар томонидан босиб олиниб, аҳолисининг аксарият қисми бошқа юртга сургун қилинган давр назарда тутилади. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Исроил ва Яҳудо халқлари Худонинг ҳукми оқибатида сургун қилинганлар, чунки улар Худонинг Мусо орқали тузган аҳдига содиқ бўлмаган эдилар[1].

Милоддан олдинги 722 йилда Оссурия Исроилни, яъни шимолий шоҳликни босиб олди. Оссурияликлар Исроил пойтахти Самарияни қўлга киритгандан кейин юрт аҳолисининг аксариятини Оссуриянинг турли ҳудудларига асир қилиб олиб кетдилар[2]. Исроил юртига эса ажнабий халқларни мажбурлаб кўчирдилар[3].

Милоддан олдинги 605 йилдан бошлаб, Бобилликлар Яҳудога, яъни жанубий шоҳликка қайта–қайта ҳужум қилдилар. Бу ҳужумлар оқибатида улар баъзи яҳудийларни Бобилга асирликка олиб кетдилар. Дониёр пайғамбар деб танилган ёш йигит ҳам мана шу асирлар орасида эди[4]. Ниҳоят, милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар Яҳудо пойтахти Қуддусни қўлга киритиб, уни вайрон қилдилар[5]. Юрт аҳолисининг аксариятини асир қилиб олиб кетдилар[6]. Асирга олинмаган яҳудийлар Мисрга қочиб

бордилар[7].

Яҳудийлар Бобил сургунида бўлганларида ҳам ўзларига уй қурганлар, тижорат ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Улар ўз диний урф–одатларига риоя қилган ҳолда, миллий ўзлигини сақлаб қолганлар. Дониёр ва Ҳизқиёл пайғамбарлар мана шу сургун даврида фаолият кўрсатганлар. Кейинчалик Яҳудо юрти Форслар ҳукмронлиги остида бўлганда, яҳудийлардан баъзилари Зарубабел ва Эзра бошчилигида Яҳудога қайтиб борганлар ва Қуддусда Маъбадни қайта қуришни бошлаганлар[8]. Орадан йиллар ўтиб, Форс шоҳи хизматидаги яҳудий амалдори Нахимиё ҳам Яҳудога қайтган ва Қуддус деворларини қайта қуриш ишларига бошчилик қилган[9].

Кўп яҳудийлар она юртларидан узоқда яшашда давом этаверганлар. Жумладан, Эстер китобида Форс шоҳлигида яшаган яҳудийлар тўғрисида ҳикоя қилинган. Бу воқеалар милоддан олдинги бешинчи асрда Форс шоҳлигининг пойтахти Шушанда бўлиб ўтган. Бобил ва Мисрдаги Искандария шаҳарлари узоқ йиллар давомида яҳудийларнинг диний таълим марказлари бўлиб хизмат қилган.

[1] 4 Шоҳлар 17:7-23, 24:1-4, 2 Солномалар 36:13-21, Еремиё 25:1-11 [2] 4 Шоҳлар 17:5-6 [3] 4 Шоҳлар 17:24 [4] Дониёр 1:1-6 [5] 4 Шоҳлар 24:20-25:17, Еремиё 52:1-16 [6] 4 Шоҳлар 24:13-16, 25:11-12, 2 Солномалар 36:20, Еремиё 52:15, 28-30 [7] 4 Шоҳлар 25:25-26, Еремиё 43:1-7 [8] Эзра 1:1-5, 2:1-2, 70, 7:1-7 [9] Нахимиё 1:1-6:16

СУРИЯ

Муқаддас Китобда Фурот дарёсининг ғарб томонидаги ҳудудга нисбатан ишлатилган ном. Бу ерлар ҳозирги Сурия мамлакатининг бир қисмини, Туркиянинг жануби–шарқ томонини ва Ливанни ўз ичига олган. Милоддан олдинги 332 йилда Искандар Зулқарнайн бу ерларни босиб олган эди. Искандарнинг ўлимидан кейин Сурияда юнонлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Милоддан олдинги 64 йилда Сурия Рим империяси томонидан босиб олинган. Юнон ва Рим ҳукмронликлари даврида Суриянинг пойтахти Антиохия шаҳри бўлган. Бу шаҳар ҳозирги Туркия мамлакатининг Антакия шаҳрига яқин эди. Суриянинг юнонлар истилосидан олдинги тарихи ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ОРАМ сўзига қаранг.

СУЯНГАН ҚОЯ

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ТАВРОТ

“Таврот” сўзи ибронийча “тўраҳ” сўзидан келиб чиққан бўлиб, маъноси “қонун” демакдир. Баъзан ибронийча “тўраҳ” сўзи тор маънода Муқаддас Китобнинг дастлабки бешта китобига — Ибтидо, Чиқиш, Левилар, Саҳрода, Қонунларга нисбатан ишлатилади. Ушбу таржимада ҳам “Таврот” сўзи одатда Муқаддас Китобнинг дастлабки бешта китобига ишора қилади. Бу китобларда дунёнинг яратилиши, Исроил халқининг Мусо бошчилигида Мисрдан чиқиши, Худо Мусо орқали Исроил халқига берган қонунлар ва кўплаб воқеалар баён этилган. Таврот китобларининг муаллифи Мусо пайғамбардир. Шу сабабдан баъзан Таврот “Мусонинг Таврот китоби”, “Мусонинг китоби” ёки “Мусонинг қонуни” деб аталади.

ТАВРОТ ТАФСИРЧИСИ

Мусонинг қонунларини мукаммал билган зиёли одам. Таврот тафсирчилари Худонинг қонунларидан халққа таълим берганлар. Уларнинг баъзилари ибронийча Муқаддас битиклардан нусха кўчириш билан шуғулланганлар. Таврот тафсирчилари Исроил халқи орасида обрў–эътиборга эга бўлиб, жамиятга кучли таъсир кўрсатганлар. Муқаддас Китобда тилга олинган тафсирчилар орасида энг кўзга ташланадигани руҳоний Эзрадир. Янги Аҳд даврида баъзи тафсирчилар Олий кенгаш аъзолари бўлганлар.

ТИНЧЛИК ҚУРБОНЛИГИ, ТИНЧЛИК НАЗРИ

ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

ТИР

ФИНИКИЯ сўзига қаранг.

ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

ТЎНҒИЧ ЎҒИЛ

Қадимда тўнғич ўғил юқори мақомга эга эди. Одатда тўнғич ўғил дуо қилинганда, унга алоҳида барака тиланарди[1]. Тўнғич ўғил укаларига қараганда икки ҳисса кўпроқ мерос оларди[2]. Отасининг вафотидан кейин тўнғич ўғил оила бошлиғи ҳисобланарди.

Тавротга кўра, Исроил халқининг ҳар бир оиласидаги тўнғич ўғил Худога тегишли бўлиб, Унга бағишланиши керак эди[3]. Барча

тўнғич ўғилларнинг ўрнига левилар Муқаддас чодирда, кейинчалик эса Маъбадда хизмат қилганлар[4]. Тўнғич ўғилни қайтариб сотиб олишнинг рамзи сифатида руҳонийларга пул назр қилиб бериларди[5]. Худо Исроил халқининг тўнғич ўғилларини Мисрдаги охирги фалокатдан Фисиҳ қурбонлиги орқали қутқарганини ўша назр эслатиб турарди[6].

[1] Ибтидо 27:1-40, 48:12-20 [2] Ибтидо 25:29-34, Қонунлар 21:15-17 [3] Чиқиш 13:1-2, 11-16 [4] Саҳрода 3:11-13, 40-41 [5] Саҳрода 18:15-16 [6] Чиқиш 12:26-27

УЗУМ СИҚИШ ЧУҚУРИ



УЧРАШУВ ЧОДИРИ

Муқаддас чодирнинг яна бир номи[1]. Аммо Чиқиш 33:7-11 да “Учрашув чодири” ибораси Муқаддас чодирни эмас, балки Мусо пайғамбар Исроил қароргоҳидан ташқарида қурдирган бошқа бир чодирни билдиради. Ўша пайтда Муқаддас чодир ҳали ясалмаган эди[2]. Одамлар Мусо орқали Эгамиздан маслаҳат сўраш ниятида қароргоҳ ташқарисидаги чодирга келганлар. Эгамиз ўша чодирда Мусога гапирган.

[1] МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига қаранг. [2] Чиқиш 36:8-38

ФАЛАСТИН

Фаластин деган ном Филист халқининг[1] номидан келиб чиққан. Милоддан олдинги бешинчи асрдан бошлаб, “Фаластин” номи юнон ва лотин тилларида Филист халқининг еридан анча катта бўлган ҳудудга нисбатан ишлатилган. Бу ҳудуд Ўрта ер денгизидан бошлаб то Жалила кўлининг, Иордан дарёсининг ва Ўлик денгизнинг шарқидаги қирли ерларгача чўзилган. Бу ҳудуднинг шимол томонида Лубнон тоғлари, жануб томонида эса Нагав чўли бор эди. Муқаддас Китобда бу ерларнинг аксарият қисмига нисбатан Канъон номи ишлатилган. Бу ерлар Исроил халқи томонидан босиб олингандан кейин “Исроил юрти” деган ном билан танилган.

Тарих давомида Фаластиннинг чегаралари аниқ белгиланмаган. Милоддан олдинги 332 йилда бу ҳудуд Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олинган. Милоддан олдинги 63 йилда эса Рим империясининг таркибига кирган. Милодий 135 йилда яҳудийларнинг Римга қарши кўтарган исёни бостирилган ва Рим ҳукумати Яҳудия ва Сурия вилоятларини бирлаштириб, у ерга “Сурия–Фаластина” деб ном берган. Кейинчалик Сурия бир нечта қисмга бўлиниб кетган ва Сурия–Фаластинанинг ҳудуди кичрайиб, бу ном фақатгина олдинги Яҳудия вилоятининг ҳудудини билдирадиган бўлди. Еттинчи асрда араблар бу ҳудудни босиб олганларидан кейин ҳам, шу ҳудуд расман “Фаластин” номи билан аталаверган. Замонавий даврларда Фаластиннинг чегаралари бир неча марта ўзгарган.

[1] ФИЛИСТ ХАЛҚИ, ФИЛИСТИЯ иборасига қаранг.

ФАРЗИЙ

Исо Масиҳ даврида яҳудийларнинг муҳим бир диний мазҳаби. Бу ном ибронийчада “алоҳида ажратилган” деган маънони билдирадиган сўздан келиб чиққан. Фарзийлар Таврот қонунларига қатъий риоя қилардилар, айни пайтда оғзаки равишда тарқалган урф–одатларга ҳамда покланиш удумларига ҳам изчил амал қилардилар. Фарзийлар мазҳабига фақатгина бир неча минг киши кирган бўлиб, умумий аҳолининг кичкина бир гуруҳини ташкил қиларди. Фарзийлар халқ орасида обрў–эътиборга эга эдилар. Улардан баъзилари Олий кенгаш аъзолари эдилар. Айрим фарзийлар Исо Масиҳга ишондилар, кўплари эса Исога ва Унинг таълимотига қарши чиқдилар.

ФАРИШТА

Худо яратган[1] ва Унинг хизматида бўлган самовий мавжудотлар[2]. Улар Худо билан самода истиқомат қилади[3]. Фаришталар инсон бўлмасалар–да, инсон қиёфасида ҳам зоҳир бўлганлар[4]. Муқаддас Китобга кўра, фаришталар Худонинг хабарларини инсонларга етказганлар, юз берадиган воқеаларни ва ваҳийларни тушунтириб берганлар. Исроил халқига Мусо орқали

қонун берилганда ҳам фаришталар иштирок этишган[5]. Айрим ҳолларда фаришталар одамларни хавф–хатардан асраганлар[6]. Муқаддас Китобда иккита фариштанинг исми айтиб ўтилган. Булар — Микойил[7] ва Жаброил[8].

Муқаддас Китобдаги бир қатор оятларда баён қилинишича, фаришталарнинг баъзилари тўғри йўлдан озиб, ёвуз бўлиб қолганлар, улар шайтон бошчилигида Худога ва Унинг халқига қаршилик қилганлар[9]. Муқаддас Китобда айтиб ўтилган ёвуз руҳлар ва жинлар мана шу гуноҳкор фаришталарга ишора қилса керак.

[1] Колосаликлар 1:16 [2] Забур 102:20-21, Ибронийлар 1:7, 14 [3] Матто 18:10-11, Ибронийлар 12:22 [4] Ибтидо 18:1-2, Ибронийлар 13:2 [5] Қонунлар 33:2, Ҳаворийлар 7:53 [6] Ибтидо 19:1-23, Ҳаворийлар 12:6-11, 27:23-24 [7] Дониёр 10:13, Яҳудо 9, Ваҳий 12:7 [8] Дониёр 8:16, 9:21, Луқо 1:19, 26-27 [9] Аюб 1:6-7, Матто 12:22-25, 25:41, 2 Бутрус 2:4, Яҳудо 6, Эфесликлар 2:2, Ваҳий 12:7-9

ФИЛИСТ ХАЛҚИ, ФИЛИСТИЯ

Қадимги даврларда Филистиянинг аҳолиси Филист халқи деб юритиларди. Филистиянинг ҳудуди Синай ярим оролидан шимоли–шарқда, Ўрта ер денгизи қирғоғи бўйида жойлашган эди. Филистларнинг аждодлари Крит оролидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Филистлар Канъон юртидаги халқлардан ажралиб турар, Исроил халқи баъзан уларни “суннатсизлар”, деб айтарди. Чунки аксарият маҳаллий халқлар орасида кенг тарқалган суннат қилиш одати Филистлар орасида йўқ эди. Филист халқи қуйидаги бешта шаҳар–давлатни — Ғазо, Ашқалон, Ашдод, Гат ва Эхронни барпо қилган эди. Милоддан олдинги ўн иккинчи асрда Филистлар ўз ерларини кенгайтириш ниятида Канъон юртини ғарб томондан босиб олишни бошладилар. Айни пайтда Исроил халқи Канъон юртига шарқ томондан бостириб келган, бунинг оқибатида иккала халқ ўртасида зиддият келиб чиқди. Шундай қилиб, шоҳ Довуд Филист халқини мағлуб қилгунга қадар, улар Исроил халқининг ашаддий душмани бўлиб қолди[1].

[1] 2 Шоҳлар 8:1, 1 Солномалар 18:1

ФИНИКИЯ

Исроилдан шимолда Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган ҳудуд. Бу ҳудуд Тир, Сидон, Арвод ва Габол[1] шаҳар–давлатлари томонидан назорат қилинган. Ҳозирги Ливан мамлакатининг Ўрта ер денгизи бўйидаги ҳудуди қадимги Финикия ҳудудига тўғри келади.

[1] Библ номи билан ҳам маълум

ФИРЪАВН

Қадимги Миср шоҳларининг унвони.

ФИСИҲ БАЙРАМИ

Янги Аҳдда “Фисиҳ байрами” номи остида Фисиҳ зиёфати ва ундан кейин етти кун давомида нишонланадиган “Хамиртурушсиз нон байрами” назарда тутилган. Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ФИСИҲ ЗИЁФАТИ ва ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ ибораларига қаранг.

ФИСИҲ ЗИЁФАТИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

ФИСИҲ ҚУРБОНЛИГИ

БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ФИСИҲ ЗИЁФАТИ иборасига қаранг.

ФОРС ШОҲЛИГИ

Қадимги қудратли шоҳлик. Форс шоҳлигининг пойтахти Бобил ҳозирги жанубий Ироқда жойлашган эди. Бу шоҳлик “Мидия ва Форс шоҳлиги” деб ҳам аталади, чунки Мидия бу шоҳликнинг муҳим вилоятларидан бири эди. Форс қонунлари “Мидия ва Форс қонунлари” деб аталган[1]. Дониёр пайғамбар Форс ҳукуматида юқори лавозимни эгаллаган эди[2]. Эстер китобида тасвирланган воқеалар Шушан қалъасида — Форс шоҳларининг қишки қароргоҳида юз берган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг аксарият қисми ва умуман Ўрта Осиёнинг асосий ҳудуди милоддан олдинги олтинчи асрда Форс шоҳлиги таркибида бўлган. Тарихшунослар ўша даврдаги Форс шоҳлигини Аҳамонийлар давлати деб аташади.

[1] Эстер 1:19, Дониёр 6:8 [2] Дониёр 6:1-28

ХАЙИН ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР ибораларига қаранг.

ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

ХЕТ ХАЛҚИ

Эски Аҳд даврининг бошида бу ном Канъон наслидан бўлган Хетнинг авлодига нисбатан ишлатилган[1]. Иброҳим пайғамбар яшаган замонда Канъон юртида бир нечта халқлар истиқомат қилар эди[2]. Улардан бири Хет халқи эди. Хет халқидан бўлган Эфрўн исмли бир одам Иброҳимга Сорани дафн этиш учун ер сотган эди[3]. Кейинчалик Исроил халқи Канъонни босиб олганда, Хет халқини ҳам мағлуб қилганди. Шоҳ Сулаймон Хет авлодларини қарол қилиб ишлатган[4].

Қадимда ҳозирги Суриянинг шимолида яшаган бошқа бир халқ ҳам “Хет халқи” деб аталган[5]. Милоддан олдинги ўн еттинчи асрдан ўн иккинчи асргача бу Хет халқининг шоҳлиги буюк бир шоҳлик бўлиб, катта ҳудудни эгаллаган. Бу ҳудуд ҳозирги Туркиядан жануб томонга, Суриягача чўзилган эди. Кейинчалик Оссурия Хет халқини мағлуб қилиб, уларнинг ерларини босиб олган.

[1] Ибтидо 10:15 [2] КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР иборалариға қаранг. [3] Ибтидо 23:1-20 [4] 3 Шоҳлар 9:20-21 [5] 3 Шоҳлар 10:29, 4 Шоҳлар 7:6

ХИВ ХАЛҚИ

Исроил халқи Канъон юртини эгалламасдан олдин ўша ерда яшаган халқлардан бири. Хив халқи Канъон юртининг марказий қисмида яшаган. Яна КАНЪОН ХАЛҚИ, КАНЪОН ХАЛҚЛАРИ, КАНЪОНДАГИ ХАЛҚЛАР иборалариға қаранг.

ХИЛХОНА

Қабристон ҳудудидаги жой. Йиллар, ҳатто асрлар давомида хилхонага бир уруғ–аймоққа қарашли марҳумлар дафн этилади[1].

[1] Ибтидо 47:29-30

ХОНТАХТА

ОЛТИН ХОНТАХТА иборасига қаранг.

ХОЧ

Рим империясида ўлим жазосининг бир тури жазога маҳкум бўлган одамни хочга михлаш эди. Узун ходага бошқа бир ёғочни кўндалангига михлаб ёки арқон билан боғлаб хоч ясаларди. Одатда жиноятчи ўзи михланадиган хочнинг кўндаланг ёғочини ҳукм ижро этиладиган жойга кўтариб олиб борар эди[1]. Жиноятчининг қўллари ва оёқлари хочга михланарди, кейин хоч тик қилиб, махсус ковланган чуқурга ўрнатиларди. Хочга михланган одам нафас олишга ниҳоятда қийналарди. У жуда қаттиқ азоб чекиб, қийналиб жон берарди. Бу жараён бир неча соат, ҳаттоки бир неча кун давом этарди. Баъзан хочдаги одамнинг ўлимини тезлатиш учун сипоҳлар унинг оёқларини уриб синдиришар эди[2].

Хочга михлаш энг даҳшатли ва шармандали жазо ҳисобланар эди. Фақатгина қотиллар, ваҳший жиноятчилар ва Рим империяси душманлари шундай жазога тортилар эди. Жиноятчи очиқ жойда оломоннинг кўзи олдида яланғоч ҳолда жазоланарди[3]. Бундан мақсад жиноятчини шарманда қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш эди. Яҳудийлар ёғочга қоқилган одамни Худо лаънатлаган деб ҳисоблашарди[4]. Янги Аҳдда баъзан “ёғоч” дейилганда “хоч” назарда тутилган[5].

[1] Луқо 23:26 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг. [2] Юҳанно 19:31-33 [3] Юҳанно 19:23 [4] Қонунлар 21:23, Галатияликлар 3:13 [5] Ҳаворийлар 5:30, 1 Бутрус 2:24

ХУДО

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ХУДОДАН ҚЎРҚИШ

Ҳар бир инсоннинг муқаддас Худога муносабатини билдирадиган ибора. Инсоннинг ишларини, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъий назар, ҳукм қиладиган — Худо[1]. Худодан қўрқадиган одам ҳар доим Унинг улуғворлигидан ҳайратланади. Бундай одам Худодан қўрқиш билан бирга Уни севади, натижада Худога сидқидилдан ишонади ва Унинг амрларига бўйсунади. Муқаддас Китобга кўра, Худодан қўрқиш доноликнинг ва илму маърифатнинг бошидир, камтарлик ва ҳаёт манбаидир[2]. Эгамиздан қўрққан инсон ёвузликдан юз ўгиради, тўғри яшайди ва Худонинг номини улуғлайди[3]. Ишаё пайғамбар башорат қилган солиҳ ҳукмдорнинг юксак фазилатларидан бири Эгамиздан қўрқишдир[4]. Бу солиҳ ҳукмдор Исо Масиҳ эканлиги кейинчалик аён бўлди.

[1] Воиз 12:13-14, 2 Коринфликлар 5:10 [2] Ҳикматлар 1:7, 9:10, 14:26-27, 15:33, 22:4, Аюб 28:28 [3] Ҳикматлар 3:7, 8:13, 14:2, Малаки 3:16 [4] Ишаё 11:2-3

ХУДОЙИ ТАОЛО

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ХУДОЛАР

Муқаддас Китобда, одатда бу сўз

бутпараст халқлар сиғинадиган худоларни билдиради. Муқаддас Китобда баён қилинишича, Эгамиз Худо барча худолардан устун[1]. Бу “худолар” беҳуда бутлар деб ҳам аталади[2], баъзи бир оятларда эса жинлар деб тасвирланади[3].

[1] Мисол учун, Чиқиш 12:12, 18:9-11 га қаранг. [2] Чиқиш 20:3-5, Забур 95:4-5, Ишаё 42:17, 44:6-20 [3] Қонунлар 32:16-17, Забур 105:36-38, 1 Коринфликлар 10:19-20, яна ЖИН ва ФАРИШТА сўзларига қаранг.

ХУДОНИНГ АЗИЗЛАРИ, ХУДОНИНГ АЗИЗ ХАЛҚИ

Бу ибораларнинг сўзма–сўз таржимаси “муқаддаслар” бўлиб, Худога бағишланган, Унинг хизмати учун ажратилган одамлар деган маънони ифодалайди. Бу иборалар Худога тегишли одамларни билдириб, Эски Аҳдда бир неча марта Исроил халқига нисбатан[1], Янги Аҳдда эса Исо Масиҳнинг издошларига нисбатан ишлатилади[2].

[1] Ишаё 63:18, Дониёр 7:18, 21, 8:24 [2] Ҳаворийлар 9:13, 1 Коринфликлар 6:1, 2 Коринфликлар 1:1, Эфесликлар 1:15, Филиппиликлар 4:22, Ваҳий 11:18

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ

Муқаддас Китобда Худога нисбатан бир неча ибронийча ва юнонча номлар, иборалар ишлатилган. Эски Аҳдда ибронийча номлар, Янги Аҳдда юнонча номлар қўлланган. Қуйидаги рўйхатда Худо номларининг ўзбекча эквиваленти келтирилган, керакли ўринларда ибронийча ва юнонча номлар берилган бўлиб, маънолари изоҳланган. Баъзан қуйидаги сабабларга кўра, бу номлар ва иборалар бошқача таржима қилинган бўлиши мумкин: 1) Асл матннинг маъносини тўғри тушуниш учун[1]. 2) Ўзбек тилидаги мавжуд табиий ибораларни қўллаш учун[2]. 3) Ўзбекча таржима равон чиқиши учун[3].

[1] Масалан, Ибтидо 4:1 да Худонинг “Эгам” деган номи “Худо” деб таржима қилинган, акс ҳолда, китобхон “Эгам” сўзини Момо Ҳаво Одам Атога нисбатан ишлатган, деб нотўғри тушуниши мумкин. [2] Масалан, ибронийчадаги “Эгамиз ҳақи” ибораси ўзбекчага “Худо ҳақи” деган табиий ибора билан таржима қилинган. [3] Масалан, баъзи ҳолларда ибронийча ва юнонча матнда Худонинг номлари ишлатилган ўринларда ўзбекчада олмошлар ишлатилган, ибронийча ва юнонча матндаги олмошлар ўрнида эса ўзбекчада Худонинг номлари ишлатилган.

ХУДО

Ибронийчада *Эл* ёки *Элоҳим*, юнончада *Теос*. Бу номлар бутун коинотнинг яратувчиси Худога нисбатан ишлатилган асосий номлардир.

ЭГАМ, ЭГАМИЗ…

Ибронийчада *ЙҲВҲ*[1], юнончада *Куриос*. Эски Аҳдда *ЙҲВҲ* Худонинг исмидир. Аслида ибронийча сўзлар унли ҳарфларсиз ёзилган. Қадимги иброний тилининг қонуниятига мувофиқ, ибронийча сўзларнинг фақат ундош ҳарфлари ёзилган. Ибронийча ёзувларни ўқиганлар қайси ўринда қандай унли товуш талаффуз этилиши кераклигини билардилар. Аммо ҳозирда *ЙҲВҲ* ундошлари билан қайси унли товушлар ишлатилгани маълум эмас. Яҳудийлар Худонинг исмини жуда ҳам муқаддас деб билганлари учун, Эски Аҳд даврининг охирларига келиб[2], бу исмни айтмай қўйган эдилар. Улар Эски Аҳдни ўқиганларида матндаги *ЙҲВҲ* сўзининг ўрнига “Эгам, Хўжайиним” маъносини берадиган *Адонай*[3] сўзини ишлата бошладилар. Яҳудий олимлари биринчи марта Эски Аҳдни қадимги юнон тилига ўгирганларида, *ЙҲВҲ* сўзини “Эга, Хўжайин” маъносини берадиган юнонча *Куриос* сўзи билан таржима қилганлар. Ўшандан бери Эски Аҳднинг кўп таржималарида *ЙҲВҲ* сўзи ўрнига “Эга, Хўжайин” маъносини берадиган сўз ишлатилади. Мазкур таржимада ҳам бу сўз “Эгам, Эгамиз…” деб берилган. Кўпчилик олимлар *ЙҲВҲ* сўзини ибронийчадаги *бор бўлмоқ* феълининг илк шакли бўлиши мумкин, деб таъкидлайдилар. Шу фикрга кўра, *ЙҲВҲ* сўзи “У бордир”, яъни У абадийдир, ҳеч қачон ўзгармайди ёки “У бор бўлишга сабабдир”, яъни ҳар бир нарсанинг келиб чиқишига сабабчи Удир, деган маънони билдиради.

Янги Аҳдда *Куриос* сўзи аксарият ҳолларда Исо Масиҳнинг унвони сифатида ишлатилган бўлиб, мазкур таржимада Раббий, Раббим, Раббимиз… деб берилган[4]. Баъзи ҳолларда *Куриос* сўзи Янги Аҳдда Худога нисбатан ишлатилган бўлиб, Унинг Эски Аҳддаги айрим фазилатларини ифодалайди. Бундай ҳолларда мазкур таржимада *Куриос* сўзи “Эгамиз” деб берилган. Янги Аҳдда кам ишлатилган “Олий ҳукмдор, хўжайин” маъносини билдирувчи юнонча *Деспотес* сўзи ҳам “Эгамиз” деб таржима қилинган.

[1] Йаҳвеҳ деб талаффуз қилинган бўлиши мумкин. [2] тахминан милоддан олдинги 400 йиллар [3] Адонай *ибронийчадаги* Адон *сўзининг махсус кўплик шакли бўлиб, фақат Худога нисбатан қўлланилади. [4] РАББИЙ,*

РАББИМ, РАББИМИЗ… сўзларига қаранг.

РАББИЙ, РАББИМ, РАББИМИЗ…

Ибронийчада *Адон*, юнончада *Куриос*. Эски Аҳдда *Адон*[1] сўзи кўпинча Худога нисбатан ишлатилган илоҳий унвон бўлиб, Худо Исроил халқининг самовий Шоҳи эканлигини билдиради. Янги Аҳдда *Куриос* сўзи Исо Масиҳга нисбатан ишлатилган бўлиб, Унинг илоҳийлигини ва шоҳ сулоласига мансублигини билдиради. Шунинг учун мазкур таржимада бу сўз “Раббий”, “Раббим Исо” ёки “Раббимиз Исо” деб берилган. *Адон* ва *Куриос* сўзлари унвон сифатида шоҳларга, обрўли муаллимлар ва пайғамбарларга иззат–ҳурматни ифодалаш учун ҳам ишлатилган. Бундай ҳолатларда бу унвонлар матнга тўғри келадиган сўзлар[2] билан таржима қилинган. Янги Аҳдда бирор киши Исо Масиҳга *Куриос* деб мурожаат қилганда мазкур таржимада вазиятга ва матн мазмунига тўғри келадиган сўз танланган.

[1] Адонай *ибронийчадаги* Адон *сўзининг махсус кўплик шакли бўлиб, фақат Худога нисбатан қўлланилади. Бу сўзнинг бирлик шакллари* Адон *ва* Адоний *одатда одамга нисбатан ишлатилади, аммо айрим ҳолларда Худонинг унвони маъносида келган. [2] масалан, жаноби олийлари, ҳазрат*

ЭГАМ ХУДО, ЭГАМИЗ ХУДО…

Ибронийчада *ЙҲВҲ Эл*-[1]. Бунинг сўзма–сўз таржимаси *ЙҲВҲ менинг Худойим, ЙҲВҲ бизнинг Худойимиз…*. Янги Аҳднинг юнонча матнида бу ном *Куриос ҳо Теос* деб берилган. Яна ЭГАМ ва ХУДО сўзларига қаранг.

[1] Ибронийчада Эл *сўзи қўшимчалар билан ишлатилади.*

ПАРВАРДИГОР ЭГАМ, ПАРВАРДИГОР ЭГАМИЗ

Ибронийчада *ЙҲВҲ Элоҳим*. Яна ЭГАМ ва ХУДО сўзларига қаранг.

ЭГАМ РАББИЙ, ЭГАМИЗ РАББИЙ

Ибронийчада *Адонай ЙҲВҲ*. Яҳудийлар Эски Аҳд битикларини ўқиганларида ибронийча матндаги *ЙҲВҲ*ни *Элоҳим* деб ўқиганлар. Яна РАББИЙ, ЭГАМ ва ХУДО сўзларига қаранг.

РАББИЙ ХУДО, РАББИМ ХУДО, РАББИМИЗ ХУДО

Ибронийчада *Адонай Элоҳим* ёки *Адонай Эл*-[1]. Яна РАББИЙ ва ХУДО сўзларига қаранг.

[1] Ибронийчада Эл *сўзи қўшимчалар билан ишлатилади.*

САРВАРИ ОЛАМ

Ибронийчада *ЙҲВҲ Сабаот*. *Сабаот* сўзи қўшинлар маъносини беради. *ЙҲВҲ Сабаот* деган ном Эгамиз еру осмондаги қудратли қўшиннинг буюк лашкарбошиси эканлигини билдиради. Янги Аҳднинг юнонча матнида бу ном — *Куриос Сабаот*. Яна ЭГАМ сўзига қаранг.

ПАРВАРДИГОРИ ОЛАМ

Ибронийчада *Элоҳим Сабаот*, сўзма–сўз таржимаси *қўшинлар Худоси*. Маъно жиҳатдан *ЙҲВҲ Сабаот* иборасига ўхшайди[1]. *Элоҳим Сабаот* деган ном Худо еру осмондаги қудратли қўшиннинг буюк лашкарбошиси эканлигини билдиради. Яна ХУДО сўзига қаранг.

[1] САРВАРИ ОЛАМ иборасига қаранг.

ҚОДИР ХУДО

Ибронийчада *Эл Шаддай* ёки *Шаддай*. *Шаддай* сўзининг маъноси аниқ эмас, лекин кўп олимлар бу сўзни “тоғнинг Худоси” деб изоҳлайдилар. Тоғлар куч–қудрат рамзи бўлгани учун, кўп таржималарда бу сўз Худонинг қудратини ифодалайдиган ном сифатида берилган. Янги Аҳдда юнонча *Пантократор* сўзи “Қодир Худо” деб таржима қилинган. Бу юнонча сўз “ҳар нарсага қодир” деган маънони билдириб, баъзан *Теос*, яъни Худо сўзи билан бирга қўлланган. Юнонча матнда *дунамис*, яъни қудрат сўзи баъзан Худога нисбатан ишлатилган. Бундай ҳолларда ҳам бу сўз “Қодир Худо” деб таржима қилинган. Яна ХУДО сўзига қаранг.

ХУДОЙИ ТАОЛО

Ибронийчада *Эл Элён* ёки *Элоҳим Элён*, сўзма–сўз таржимаси *Энг юксак Худо*. Шунингдек, *Элён* сўзи алоҳида ҳам ишлатилади, унинг сўзма–сўз таржимаси *энг юксак Зот*. Бу сўз Худо энг буюк, энг қудратли, бутун коинот Ҳукмдори эканлигини билдиради. *Элён* айбсизларни оқлайди, фосиқ ва ёвузларни жазолайди. Янги Аҳднинг юнонча матнидаги *Ҳупсистос* сўзи “Худойи Таоло” деб таржима қилинган. *Ҳупсистос* сўзи “энг юксак Зот” деган маънони билдириб, баъзан *Теос*, яъни Худо сўзи билан бирга қўлланган. Яна ХУДО сўзига қаранг.

САМОВИЙ ХУДО

Ибронийчадан ва юнончадан сўзма–сўз таржимаси *осмон Худоси*, *осмон ва ер Худоси* ёки *осмон Эгаси*.

БАРҲАЁТ ХУДО

Ибронийчадан ва юнончадан сўзма–сўз таржимаси *тирик Худо*. Бу ном Худо доимо ҳаракатда эканини, У Ўз халқига ғамхўрлик қилаётганини билдиради.

МУҚАДДАС ХУДО

Ибронийчадан ва юнончадан сўзма–сўз таржимаси *муқаддас Зот*. Худонинг бу номини пайғамбарлар, айниқса Ишаё пайғамбар кўп ишлатган. “Муқаддас Худо” деган ном Исроил халқининг Худоси бутун борлиқдан устун ва тенгсиз эканлигини билдиради. У танҳо, ҳақиқий Худодир.

ҚОЯ, СУЯНГАН ҚОЯ

Ибронийчадан сўзма–сўз таржимаси *қоя*. Бу сўз Худога умид боғлаганларни Унинг Ўзи ҳимоя қилишини, соғ–омон сақлашини, Худонинг ўзгармаслигини ва тамомила ишончлилигини билдиради.

ОТА, ОТАМ ХУДО, ОТАМИЗ ХУДО…

Эски Аҳднинг баъзи парчаларида Худо Исроил халқининг Отаси, деб таърифланган[1]. Янги Аҳдда эса Худо Ўз халқининг Отаси эканлиги ҳақидаги тушунча янада ёрқин ифодаланган. Исо Масиҳ Худони Ота деб чақирган. Шу тариқа Исо Ўзини Худонинг ягона Ўғли эканини, Отаси Худо томонидан бу дунёга юборилганини ва У билан яқин муносабатда эканини таъкидлаган[2]. Шунингдек, Исо Ўз шогирдларига ҳам Худони самодаги ҳақиқий Ота деб билишни ўргатган. Исога ишониб, Унга эргашганлар Худо билан яқин муносабат ўрнатиб, Худонинг комил севгисидан баҳраманд бўладилар. Худо меҳрибон отадай уларга ғамхўрлик қилади[3].

[1] Мисол учун, Ишаё 63:16, 64:8, Еремиё 3:19, Ҳўшея 11:1 га қаранг. [2] Яна ХУДОНИНГ ЎҒЛИ иборасига ва МАСИҲ сўзига қаранг. [3] Матто 5:48, Луқо 22:29

ХУДОНИНГ РУҲИ

“Руҳ” деб таржима қилинган ибронийча ва юнонча сўзлар яна “нафас”, “шамол” маъноларини ифодалайди. Худонинг Руҳи дунё яратилишида бевосита иштирок этган[1]. Эски Аҳдда баён қилинишича, Худонинг Руҳи инсонларни қамраб олган, уларга турли вазифаларни бажариш учун куч берган[2]. Худонинг Руҳи баъзи одамларни Худонинг сўзларини гапиришга ундаган[3]. Худо Ўз Руҳини бир кун келиб бутун одамзод устига ёғдиришини Йўэл пайғамбар орқали ваъда қилган[4].

Янги Аҳдда Худонинг Руҳи Муқаддас Руҳ деб аталади. Муқаддас Руҳ орқали одамлар Худонинг сўзларини айтадилар, баъзан мўъжизалар кўрсатадилар. Яҳё пайғамбар башорат қилиб, Исо Масиҳ инсонларни Муқаддас Руҳга чўмдиради, деб айтган[5]. Яҳё пайғамбар Исони сувга чўмдирганда, Муқаддас Руҳ Исонинг устига каптар шаклида тушган[6] ва У Муқаддас Руҳга тўлган[7]. Исо Масиҳ Муқаддас Руҳ бошчилигида яшаган.

Исо ўз шогирдларига, Отам сизларга йўл–йўриқ кўрсатиш ва куч–қудрат ато қилиш учун Муқаддас Руҳни юборади, деб ваъда берган[8]. Исо осмонга кўтарилгандан кейин мана шу ваъда амалга ошди[9]. Шундай қилиб, Йўэл пайғамбарнинг бир неча асрлар олдин айтган башорати бажо бўлди[10]. Исонинг шогирдлари одамларни тавба қилишга, сувга чўмишга ва Муқаддас Руҳни қабул қилишга даъват этганлар[11]. Исо Масиҳга ишонган ҳар бир инсоннинг юрагида Муқаддас Руҳ яшайди. Муқаддас Руҳ уларнинг Худога тегишли эканлигини ва нажот кафили Ўзи эканлигини тасдиқлайди[12]. Муқаддас Руҳ имонлиларга ҳар хил инъомлар беради, улар бу инъомлари билан Худога ва бошқаларга хизмат қиладилар[13]. Имонлилар Муқаддас Руҳ бошчилигида ҳаёт кечирадилар ва Муқаддас Руҳ туфайли улардаги хислату фазилатлар Худога манзур бўлади[14].

[1] Ибтидо 1:2 [2] Чиқиш 31:3, Ҳакамлар 14:6, 1 Шоҳлар 11:6-7, 16:13 [3] 1 Солномалар 12:18, 2 Солномалар 15:1-7, 20:14-15, Ҳизқиёл 11:5, Михо 3:8 [4] Йўэл 2:28-29 [5] Матто 3:11 [6] Луқо 3:22 [7] Луқо 4:1, 10:21, Юҳанно 3:34 [8] Луқо 24:49, Юҳанно 14:16-17, 26, 16:7-15, 20:22, Ҳаворийлар 1:4-5, 8 [9] Ҳаворийлар 2:1-4 [10] Ҳаворийлар 2:14-21 [11] Ҳаворийлар 2:38, 19:1-6 [12] Римликлар 8:15-16, 2 Коринфликлар 1:21-22, Эфесликлар 1:13-14 [13] 1 Коринфликлар 12:4-11 [14] Галатияликлар 5:22-25

ХУДОНИНГ УЙИ

Бу ибора Муқаддас чодирга, кейинчалик эса Маъбадга ишора қилган. МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига ва МАЪБАД сўзига қаранг.

ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ

Худонинг инсонлар ҳаётидаги ҳукмронлигига ва ҳар бир яратилган мавжудотнинг охиратда янгиланишига ишора. Исо Масиҳ: “Худонинг Шоҳлиги яқинлашди”, деб ваъз қиларди, У Ўз мўъжизалари орқали бу Шоҳлик ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлигини кўрсатарди. Исо Масиҳ одамларга: “Худонинг Шоҳлиги

сизларнинг орангизда”, деб таълим берган[1]. Инсонларнинг гуноҳлари Исо Масиҳ орқали кечирилганда, улар Худонинг Шоҳлигига кирадилар[2]. Худонинг Шоҳлигига мансуб бўлган одамлар Худони ўзларининг Шоҳи деб тан оладилар ва ўзаро муносабатларида Худонинг фазилатларини намоён қиладилар. Шу орқали Худонинг Шоҳлиги инсонлар орасида эканлиги кўриниб туради. Келажакда эса Исо Масиҳ бутун дунёни ёвузлик ва қабиҳликдан поклагандан кейин Худонинг Шоҳлиги тўлиқ ўрнатилади[3]. Матто китобида Худонинг Шоҳлиги “Осмон Шоҳлиги” деб ҳам аталган.

[1] Луқо 17:20-21 [2] Колосаликлар 1:13-14 [3] Матто 25:31-46, 1 Коринфликлар 15:24-25, Ваҳий 11:15, 12:10

ХУДОНИНГ ЎҒЛИ, ХУДОЙИ ТАОЛОНИНГ ЎҒЛИ

Бу ибора унвон бўлиб, яҳудийлар интизорлик билан кутган халоскорга нисбатан ишлатилган. Яҳудийларнинг тасаввури бўйича, бу халоскор уларни душманлари қўлидан қутқаради ва бутун одамзод устидан абадий ҳукмронлик қилади. Бу халоскорга нисбатан одатда “Масиҳ” унвони ҳам ишлатилган[1]. “Худонинг Ўғли” ёки “Ўғил” унвонлари Исога нисбатан ишлатилганда, Исо интизорлик билан кутилган Масиҳ эканлигини билдиради. Бу унвонлар Исонинг Худо билан яқин муносабатини, Исо Худонинг номидан иш қилишини кўрсатади. Исо Масиҳ Ўзининг самовий Отасига бутунлай итоат этиб, садоқат билан хизмат қилган. Шу тариқа Исо самовий Отасига иззат–ҳурмат кўрсатган, Унинг фазилатларини Ўзида тўлиқ мужассам этиб, намоён қилган. Юҳанно 14:6-13, Колосаликлар 1:15, 19, Ибронийлар 1:2-3 га қаранг.

Афсуски, баъзилар “Худонинг Ўғли” деган унвонни нотўғри тушуниб, Исо жисмонан Худодан туғилган экан, деб ўйлайдилар. Аммо бу ақл бовар қилмайдиган мутлақо нотўғри фикр! Бундай фикр Муқаддас Китобда баён қилинган таълимотларга бутунлай зиддир. Янги Аҳдда баён қилинишича, Марям мўъжизавий равишда, Муқаддас Руҳнинг қудрати билан Исога ҳомиладор бўлган[2].

Эски Аҳдда Худо Исроил халқини “тўнғич ўғлим” деб атаб, улар билан қанчалик яқин муносабат ўрнатганини кўрсатган[3]. Шунингдек, Худо Исроил шоҳини ҳам “Менинг ўғлим” деб атаган, чунки Исроил шоҳи Худонинг вакили сифатида халқ устидан ҳукмронлик қилган[4].

[1] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун МАСИҲ сўзига қаранг. [2] Матто 1:18-25, Луқо 1:26-38 [3] Чиқиш 4:22-23 [4] Забур 2:7 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

ХУШХАБАР

Эски Аҳд пайғамбарлари Масиҳ ҳақида кўп башорат қилганлар. Интизорлик билан кутилган Масиҳнинг келгани ҳақидаги хабар Янги Аҳдда Хушхабар деб аталади[1]. Мазкур Хушхабарнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: келиши башорат қилинган Масиҳ Исодир. Исо одамзодни гуноҳ ва ўлим қудратидан халос қилиш учун келган, Исо Масиҳга ишонган ҳар бир инсон, миллатидан қатъий назар, Худонинг Шоҳлигига кира олади[2].

Исо Масиҳ ер юзидаги фаолияти давомида Ўз шогирдлари билан бирга: “Худонинг Шоҳлиги яқинлашди!” деб эълон қилиб, одамларни тавба қилишга ва Хушхабарга ишонишга даъват этган[3]. Исо Ўз таълимоти ва қилган ишлари орқали[4], шунингдек, хочда жон бериб, инсониятни гуноҳлардан халос қилгани ва учинчи куни ўликдан тирилгани орқали Ўзининг Масиҳ эканлигини исботлади[5]. Исо ўликдан тирилгандан кейин, одамлар Хушхабарни янада тўлиқроқ тушуна бошладилар. Исо осмонга кўтарилиб кетишидан олдин шогирдларига Хушхабарни бутун дунё бўйлаб тарқатиш вазифасини топширди[6]. Шогирдлар Исонинг Масиҳ, яъни Худо томонидан юборилган Нажоткор экани ҳақидаги Хушхабарни ёя бошладилар[7].

Хушхабар сўзи яна Янги Аҳд таркибидаги дастлабки тўртта китобга нисбатан ҳам ишлатилган. Бу Хушхабарларда Исо Масиҳнинг ҳаёти, фаолияти ва таълимоти баён қилинган.

[1] Луқо 2:10-11 [2] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун МАСИҲ сўзига қаранг. [3] Матто 10:7, Марк 1:14-15 [4] Луқо 4:16-21, 7:20-23 [5] Луқо 24:44-48, 1 Коринфликлар 15:1-4 [6] Матто 28:18-20, Ҳаворийлар 1:8 [7] Ҳаворийлар 4:12, 5:42

ХЎПТИР

Дон янчишда ишлатилган, остига учли тош ёки темир маҳкамланган оғир тахта.



ЧАЙЛА БАЙРАМИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

ЧИРОҚПОЯ

Муқаддас чодирнинг Муқаддас хонасида турадиган чироқпоя[1]. Бу чироқпоя Худо кўрсатган намуна бўйича соф олтиндан зарб уриб ясалган эди. Чироқпоя еттита мойчироқни[2] ушлаб турар эди[3]. Кейинчалик Қуддусдаги Маъбаднинг Муқаддас хонасида ўнта чироқпоя бўлган[4]. Маъбаддаги бу чироқпояларнинг шакли Мусо Муқаддас чодир учун ясаттирган олтин чироқпояга ўхшаш бўлганми ёки йўқми, маълум эмас. Эҳтимол, бу чироқпоялар Закариё 4:2 да тасвирланган чироқпояга ўхшаш бўлгандир[5].

[1] Чиқиш 26:35 [2] МОЙЧИРОҚ сўзига қаранг. [3] Чиқиш 25:31-40 [4] 3 Шоҳлар 7:49 [5] Луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимида берилган "Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад" расмига қаранг.



ШАББАТ КУНИ

Яҳудийча ҳафтанинг еттинчи куни бўлиб, бизнинг ҳафта бўйича шанба кунидир. Бу кун муқаддас ҳисобланиб, дам олиш куни бўлган. Худонинг Мусо орқали берган қонунига кўра, Шаббат куни иш қилиш ман этилган эди[1]. Исроил халқи Шаббат кунини Худога шукроналар айтишга бағишлаган. Бу кунда руҳонийлар махсус қурбонлик келтирганлар[2]. Янги Аҳд даврига келиб, дин раҳнамолари Шаббат кунига оид мураккаб қоидалар тизимини яратганлар. Исо Ўз таълимоти ва қилган ишлари билан бу тизимга қарши чиқиб, одамларга дам олиш кунининг асл моҳиятини тушунтирган, инсон Шаббат куни учун эмас, балки Шаббат куни инсон учун яратилганини таъкидлаган[3].

[1] Чиқиш 20:8-11, 31:12-17, Левилар 23:3, Қонунлар 5:12-15 [2] Саҳрода 28:9-10 [3] Матто 12:1-14

ШАЙТОН

Самовий мавжудот, гуноҳкор фаришталарнинг[1] бошлиғи. Бу фаришталар ёвуз руҳлар, жинлар деб ҳам аталган. Шайтон Худога ва Худонинг халқига қарши чиқади. У ҳар доим ёвузлик пайида бўлиб, инсонларни алдайди ва уларни Худонинг йўлидан оздиради[2]. Исо Масиҳ кучли иродаси ва мўъжизалари орқали шайтондан устун эканлигини кўрсатди[3]. Янги Аҳдда, бир кун келиб шайтон бутунлай мағлуб бўлади, деб ёзилган[4].

"Шайтон" деган ном иброний тилидаги "душман, айбловчи" маъносини билдирадиган сўздан келиб чиққан[5]. Янги Аҳдда шайтон яна иблис ҳам дейилади. Иблис сўзи юнон тилидаги "туҳматчи" маъносини берадиган сўздан келиб чиққан. Янги Аҳдда баён қилинишича, шайтон одамларни васвасага солади[6]. У "бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори", "бу дунёнинг худоси" деб ҳам аталган[7].

[1] ФАРИШТА сўзига қаранг. [2] Луқо 8:12, Юҳанно 8:44, Ваҳий 12:9 [3] Матто 4:1-11, Ҳаворийлар 10:38, 1 Юҳанно 3:8 [4] Матто 25:41, Ваҳий 20:10 [5] Закариё 3:1, Ваҳий 12:10 [6] Матто 4:3, 1 Салоникаликлар 3:5 [7] Юҳанно 12:31, 2 Коринфликлар 4:4

ШАРОБ НАЗРИ

НАЗР сўзига қаранг.

ШОПИРИШ

СОВУРИШ сўзига қаранг.

ШОҚУЛ

Бинокорликда девор, устун ва шу кабиларнинг вертикал ҳолатини аниқлаш учун ишлатиладиган, бир учига оғирлик боғланган ипдан иборат асбоб.



ШУКРОНА ҚУРБОНЛИГИ, ШУКРОНА НАЗРИ
ҚУРБОНЛИК сўзига қаранг.

ЭГАМ РАББИЙ, ЭГАМИЗ РАББИЙ
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ЭГАМ ХУДО, ЭГАМИЗ ХУДО…
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ЭГАМИЗДАН ҚЎРҚИШ
ХУДОДАН ҚЎРҚИШ иборасига қаранг.

ЭГАМИЗНИНГ РУҲИ
ХУДОНИНГ РУҲИ иборасига қаранг.

ЭГАМИЗНИНГ ФАРИШТАСИ
Содир бўладиган муҳим бир воқеа–ҳодиса тўғрисида одамларга хабар бериш учун, уларни ҳимоя қилиш учун ёки махсус бир топшириқни бажариш учун Эгамиз томонидан юборилган фаришта[1]. Муқаддас Китобда баён қилинишича, баъзан Худонинг Ўзи Эгамизнинг фариштаси қиёфасида зоҳир бўлган[2].

[1] ФАРИШТА сўзига қаранг. [2] Мисол учун, Чиқиш 3:1-5, Ҳакамлар 6:11-24 га қаранг.

ЭГАМНИНГ УЙИ, ЭГАМИЗНИНГ УЙИ
Бу иборалар Муқаддас чодирга, кейинчалик эса Маъбадга ишора қилган. МУҚАДДАС ЧОДИР иборасига ва МАЪБАД сўзига қаранг.

ЭГАМ, ЭГАМИЗ…
ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ЭДОМ, ЭДОМ ХАЛҚИ, ЭДОМЛИКЛАР
Бу халқ Ёқубнинг акаси Эсовдан[1] келиб чиққан[2]. Эдом халқи Ўлик денгизнинг жануби ва жануби–шарқидаги тақир Сеир[3] тоғларида яшаган. Бу халқ Исроил халқининг душмани бўлиб келган[4]. Довуд ҳукмронлиги даврида Исроил халқи Эдомликларни босиб олди[5]. Аммо Довуд ҳукмронлигидан кейин Эдом халқи аҳён–аҳёнда Исроилга қарши исён кўтариб турган ва ниҳоят, ўз мустақиллигига эришган эди[6].

[1] Ибтидо 25:25, 30 га ва Ибтидо 25:25 нинг биринчи изоҳига қаранг. [2] Ибтидо 36:8-9 [3] Ибтидо 25:25 га ва ўша оятнинг иккинчи изоҳига қаранг. [4] Саҳрода 20:14-21 [5] 2 Шоҳлар 8:13-14 [6] 3 Шоҳлар 11:14-22, 4 Шоҳлар 8:20-22

ЭНГ МУҚАДДАС ХОНА
Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Маъбаднинг ичкари кичикроқ хонаси[1]. Бу хонада Аҳд сандиғи турар эди. Сулаймон қурдирган Маъбаднинг Энг муқаддас хонасида иккита карубнинг катта ҳайкали ҳам бор эди. Энг муқаддас хонани Муқаддас хонадан катта парда ажратиб турарди[2]. Тавротга кўра, фақат олий руҳоний бир йилда бир марта — Покланиш куни Энг муқаддас хонага кириши мумкин эди[3]. Ибронийларга мактубда ва Ваҳий китобида самовий Чодирнинг Энг муқаддас хонаси ҳақида айтиб ўтилган. Исо Масиҳ инсон қўли билан қурилмаган бу мукаммал Чодирда олий руҳоний бўлиб хизмат қиляпти[4].

[1] Луғатдан кейин илова қилинган "Расмлар ва лойиҳалар" бўлимига қаранг. [2] ИЧКИ ПАРДА иборасига қаранг. [3] БАЙРАМЛАР сўзи остида берилган ПОКЛАНИШ КУНИ иборасига қаранг. [4] Ибронийлар 8:1-2, 9:11-12, 24, Ваҳий 15:5

ЭСКИ АҲД
Муқаддас Китобнинг биринчи қисми бўлиб, ўттиз тўққизта китобдан иборат. Одатда яҳудийлар, Эски Аҳд тўплами уч қисмдан иборат, деб айтадилар. Бу уч қисм қуйидагилардир: Таврот (Мусонинг қонуни деган ном билан ҳам юритилади), Пайғамбарлар битиклари (унинг таркибига баъзи тарихий китоблар ҳам кирган) ва Битиклар (Забур бу қисмнинг биринчи китобидир). Эски Аҳд қадимги иброний тилида, баъзи қисмлари эса орамий тилида бўлиб, милоддан олдинги ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тахминан минг йил давомида ёзилган. Эски Аҳднинг асосий мавзуси Худонинг Исроил халқи билан бўлган муносабатидир. Бу муносабат Худонинг Мусо орқали Исроил халқи билан тузган аҳдига асосланган.

Кейинчалик Худо Ўз халқи билан Исо Масиҳ орқали янги аҳд тузди[1]. Шу сабабга кўра, аввалги, яъни Мусо орқали тузилган аҳд "эски аҳд" деб ҳисобланади[2]. Милодий учинчи асрдан бошлаб, масиҳийлар ибронийча Муқаддас битикларни "Эски Аҳд" деб атайдиган бўлдилар. Исо Масиҳ Муқаддас битикларни мукаммал билган ва Ўз таълимотида улардан кўп иқтибослар келтирган.

[1] 1 Коринфликлар 11:25, Ибронийлар 8:6-13
[2] 2 Коринфликлар 3:14, Ибронийлар 8:6

ЭФОД

Ибронийча сўз бўлиб, олий руҳоний киядиган махсус кийимга нисбатан ишлатилган[1]. Эфодга тақилган кўкракпеч халтасида Урим ва Туммим деган муқаддас нарсалар сақланган. Айрим ҳолларда руҳонийлар Худонинг хоҳишини билиш учун Урим ва Туммимдан фойдаланишган[2].

Эски Аҳднинг баъзи оятларида эфод сўзи руҳонийлар киядиган либосга нисбатан ишлатилган бўлиб, бу либос зиғир матодан тикиларди[3]. Ҳакамлар китобида бу сўз бутни ёки одамлар фол очишда фойдаланган буюмни билдирган[4].

[1] Чиқиш 28:6-14 га ва РУҲОНИЙ сўзи остида берилган ОЛИЙ РУҲОНИЙ иборасига қаранг. [2] Чиқиш 28:30, 1 Шоҳлар 23:9-12 [3] 1 Шоҳлар 2:18, 22:18, 2 Шоҳлар 6:14 га ва ўша оятларнинг изоҳларига қаранг. [4] Ҳакамлар 8:27 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг.

ЭФРАЙИМ

Ёқуб ўғли Юсуф Мисрда икки ўғил кўрган бўлиб, каттаси Манаше, кенжаси Эфрайим эди. Эфрайим ва Манаше қабилалари Юсуфнинг шу икки ўғлидан келиб чиққан. Эфрайим кенжа ўғил бўлса ҳам, Ёқуб уни Манашедан юқори қўйиб, дуо қилган[1].

Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди[2]. Бу ўнта қабила алоҳида давлатни ташкил қилиб, Исроил шоҳлиги[3] деб ном олди. Бу давлатнинг пойтахти Самария бўлди. Шимолдаги қабилалар орасида Эфрайим энг катта ва нуфузли қабила бўлгани боис, Эски Аҳднинг баъзи ўринларида Эфрайим деган ном ўнта қабилага ва улар ташкил қилган Исроил шоҳлигига нисбатан ишлатилган.

[1] Ибтидо 48:17-20 [2] 3 Шоҳлар 11:26-12:24 [3] шимолий шоҳлик ибораси билан ҳам маълум

ЭШИК КЕСАКИСИ

Эшик ўрнатилган чорчўп.



ЮНОН ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ

Эски Аҳд давридан кейин юнон тили ва маданияти қадимги дунёга катта таъсир кўрсатган. Милоддан олдинги 334 йилда Македония шоҳи Искандар Зулқарнайн ғарбий Осиёга юнон лашкарини тортиб борди. Искандар 11 йиллик ҳукмронлиги даврида, вафотига қадар, бутун Форс шоҳлигини мағлуб этиб, ўз ҳокимиятини ўрнатди. Собиқ Форс шоҳлигига ҳозирги Туркия, Миср ва Ўрта Осиёнинг аксарият қисми кирган эди. Қуддус шаҳри ҳеч бир қаршиликсиз Искандарга таслим бўлган. Искандар босиб олган жойларда маҳаллий халқларнинг динини ўзгартиришга ҳаракат қилмаган, ҳатто баъзи ҳолларда уларнинг одатларини ўзлаштириб олган. Искандар ҳукмронлиги даврида ҳам, ундан кейинги юнон ҳукмдорлари даврида ҳам қўлга киритилган ерларда янги шаҳарлар барпо қилинган, бу ерларга юнонлар жойлашиб олганлар. Бу, ўз навбатида, юнон тили, маданияти ва урф–одатларининг ёйилишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, юнон тили халқаро тилга айланди ва баъзи бир халқларнинг она тили ўрнини эгаллади. Эски Аҳд ибронийчадан илк бор юнон тилига милоддан олдинги 300-200 йилларда таржима қилинди. Бу таржима кейинчалик *Септуагинта* деб ном олди. Шу таржима туфайли ғайрияҳудийлар ва она тилини билмаган яҳудийлар Муқаддас Битикларни ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Илк жамоат масиҳийлари Септуагинтадан кенг фойдаланганлар. Янги Аҳдда бу таржимадан кўп иқтибослар келтирилган.

Милоддан олдинги 175-164 йилларда Сурияда Юнон шоҳи Антиох IV ҳукмронлик қилган даврда Яҳудияда дин эркинлиги

барҳам топди[1]. Яҳудия аҳолиси Антиохга қарши исён кўтариб, мустақилликка эришди. Улар яна Маъбадда Худога сажда қиладиган бўлдилар[2]. Милоддан олдинги биринчи асрда Яҳудия ўлкаси Рим империяси томонидан босиб олингандан кейин ҳам давлат, тижорат ишларида, таълим соҳасида юнон тили ишлатилаверди. Буни Янги Аҳдда ёзиб қолдирилган баъзи воқеаларда кўрса бўлади[3]. Кўп яҳудийларнинг ҳам юнонча, ҳам орамийча исмлари бўлган[4]. Янги Аҳд таркибига кирган барча китоблар кенг оммага тушунарли бўлиши учун юнон тилида ёзилган.

[1] Дониёр 8:12 изоҳига ва 9:27 нинг учинчи изоҳига қаранг. [2] Юҳанно 10:22 изоҳига қаранг. [3] Юҳанно 19:20, Ҳаворийлар 21:37-39 [4] Юҳанно 1:42, 11:16, Ҳаворийлар 9:36

ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

ЮНОНЧА МАТН иборасига қаранг.

ЮНОНЧА МАТН

Бирлашган Муқаддас Китоб Жамиятлари томонидан нашр қилинган юнонча Янги Аҳднинг 4–нашри (“UBS4” деб аталади). Олимлар Янги Аҳднинг бу матнини ҳозиргача сақланиб келган ҳамма юнон қўлёзмаларини[1] синчиклаб ўрганиб чиққанларидан кейин нашрга тайёрлаганлар. Бу қўлёзмаларнинг баъзиларида Янги Аҳд тўлиқ ҳолда, баъзиларида эса парчалар ҳолида сақланиб қолган. Олимларнинг аксарияти бу матнни Янги Аҳднинг энг аниқ, пухта ва бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган нусхаси, деб ҳисоблайдилар. Янги Аҳднинг ўзбекча таржимаси, кўп замонавий таржималар сингари, мана шу юнонча матнга асосланган.

[1] Қуйидаги ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ иборасига қаранг.

ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Ҳозирги даврда Янги Аҳднинг тўлиқ матнидан ёки баъзи бир парчаларидан иборат юнонча қўлёзмаларнинг сони 5800 дан ортиқроқдир. Бу қўлёзмалардаги баъзи бир оятлар UBS4[1] деб аталган юнонча матндан бир оз фарқ қилади. Бу фарқлар Янги Аҳдда берилган таълимотларни тўғри тушунишимизга қийинчилик туғдирмайди. Ўзбекча таржимага берилган изоҳларда мана шу фарқларнинг баъзилари кўрсатиб ўтилган. Шу орқали китобхон маълум бир оят нима учун айрим фарқлар билан таржима қилинганини тушуниб олади.

Янги Аҳднинг сақланиб қолган қўлёзмалари бошқа қадимий китобларга қараганда анча кўп. Бу қўлёзмалар асл матндан қисқа давр ичида кўчирилган. Бошқа қадимий китоблар ҳақида шундай деб айтиш қийин. Масалан, Юҳанно Хушхабарининг бир парчаси милодий 125 йилларда кўчирилган деб тахмин қилинади[2]. Юҳанно Хушхабарининг асл матни эса фақатгина ундан тахминан 40 йиллар олдин, яъни милодий 85 йилларда ёзилган. Янги Аҳднинг бир нечта парчалари иккинчи асрларда, кўплаб нусхалари эса учинчи ва тўртинчи асрларда кўчирилган. Янги Аҳднинг энг қадимги тўлиқ нусхаси тўртинчи асрда кўчирилган бўлиб, *Кодекс Синайтикус* деб аталади. Бу қўлёзма Лондондаги Британия Кутубхонасининг кўргазмалар залида сақланади[3]. Олимлар кўп қўлёзмаларни таққослаш орқали матн кўчирилганда йўл қўйилган хатоларни аниқлайдилар. Шу йўсинда Янги Аҳд муаллифлари ёзган асл матн қайси бири эканлигини мутлақ ишонч билан айта оладилар. Янги Аҳд матнининг ишончлилигини тасдиқлайдиган далиллар қолган барча қадимий китобларникидан анча кўп.

[1] ЮНОНЧА МАТН иборасига қаранг. [2] Бу парчанинг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. [3] Кодекс Синайтикус*нинг фотонусхаси китоб охирида “Муқаддас Китоб қўлёзмаларининг фотонусхалари” деган қисмда келтирилган. Бу қўлёзмани интернет орқали кўрса ҳам бўлади.*

ЯНГИ АҲД

Муқаддас Китобнинг иккинчи қисми бўлиб, йигирма еттита китобдан иборат. Ўзбек тилида Янги Аҳд яна Инжил номи билан ҳам маълум. Янги Аҳд китоблари милодий биринчи асрда, Исо Масиҳ осмонга кўтарилгандан кейин ёзилган. Бу китоблар қадимий юнон тилида ёзилган бўлиб, уларнинг асосий мавзуси Исо Масиҳнинг ҳаёти, фаолияти, таълимоти ва масиҳийларга берилган йўл–йўриқларидан иборат.

Қадимда Худо Мусо орқали Исроил халқи билан аҳд тузган эди, кейинчалик эса У Исо Масиҳ орқали Ўз халқи билан улуғроқ ва аълороқ ваъдаларга асосланган янги аҳд тузди[1]. Шунинг учун бу китоблар мажмуаси “Янги Аҳд” деб аталадиган бўлди.

[1] 1 Коринфликлар 11:25, Ибронийлар 8:6-13 га қаранг.

ЯНГИ ОЙ ШОДИЁНАСИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

ЯҲУДИЙ

“Яҳудий” сўзи Ёқуб ўғли Яҳудонинг исмидан келиб чиққан[1]. Милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар Яҳудо юртини, яъни жанубий шоҳликни босиб олиб, аҳолисининг аксариятини Бобилга асир қилиб олиб кетганлар[2]. Бобилдаги етмиш йиллик асирлик даврида ва ундан кейин “яҳудий” сўзи Яҳудо халқига ва жамики Исроил қабилаларининг авлодларига нисбатан ишлатилиб, миллат маъносини билдирувчи сўзга айланган.

[1] ЯҲУДО сўзига қаранг. [2] БОБИЛ сўзига қаранг.

ЯҲУДИЯ

Бу ном фақат Янги Аҳд китобларида ишлатилган бўлиб, одатда Ўлик денгизнинг ғарб томонидаги қирли ерларни билдирарди. Эски Аҳд даврида бу ерлар Яҳудо қабиласининг ҳудуди бўлган. Қуддус шаҳри ва Исо Масиҳ туғилган Байтлаҳм шаҳри мана шу қирли ерларда жойлашган эди. Шунингдек, Янги Аҳд даврида “Яҳудия” Рим империяси таркибига кирган вилоят бўлган. Бу вилоятнинг ҳудуди нафақат Ўлик денгизнинг ғарб томонидаги ерларни, балки шимолдаги Самария ҳудудини ва ғарбдаги Ўрта ер денгизи бўйидаги ерларни ўз ичига оларди. Баъзан эса, жумладан, Луқо Хушхабарида Яҳудия номи бутун қадимги Фаластинга[1] нисбатан ишлатилган.

[1] ФАЛАСТИН сўзига қаранг.

ЯҲУДО

Ёқубнинг ўн иккита ўғлидан бири бўлиб, Яҳудо қабиласининг бобокалони эди. Яҳудо қабиласи Исроил юртининг жанубий қисмидаги энг катта қабила бўлган. Шоҳ Сулаймон вафотидан кейин шимолдаги ўнта қабила жанубдаги Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан ажралиб чиқди[1]. Яҳудо ва Бенямин қабилалари алоҳида давлатни ташкил қилиб, Яҳудо шоҳлиги[2] деб ном олди. Бу давлатнинг пойтахти Қуддус бўлди. Эски Аҳднинг баъзи ўринларида жанубдаги бу иккала қабилага Яҳудо халқи деган ном, бу қабилалар ташкил қилган давлатга нисбатан Яҳудо юрти деган ном қўлланган.

Милоддан олдинги 586 йилда Бобилликлар Яҳудо юртини босиб олиб, аҳолисининг аксариятини Бобилга асир қилиб олиб кетганлар[3]. Етмиш йилдан кейин, Форс империяси ҳукмронлиги даврида сургундаги яҳудийларнинг баъзилари Яҳудога қайта бошлади. Улар Қуддусдаги Маъбадни ва шаҳар деворларини қайта қурдилар[4]. Қуддус шаҳри атрофида яшаётган яҳудийларнинг ҳудуди собиқ Яҳудо шоҳлигидан кичик эди. Бу ҳудуд Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олингандан кейин “Яҳудия” деган ном билан маълум бўлган.

[1] 3 Шоҳлар 11:26-12:24 [2] жанубий шоҳлик ибораси билан ҳам маълум [3] 4 Шоҳлар 25:1-21 [4] Эзра 1:1-11, Нахимиё 1:1-2:8

ЎРАМА ҚОҒОЗ

Папирус ёки ошланган теридан қилинган узун ўралган қоғоз. Қадимги пайтларда китоблар одатда ўрама қоғоз шаклида бўлган.



ҚАДИМИЙ ЛОТИНЧА ТАРЖИМА

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

ҚАДИМИЙ СУРЁНИЙЧА ТАРЖИМА

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

ҚАДИМИЙ ЮНОНЧА ТАРЖИМА

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

ҚАРОЛ

Хизматкорнинг бир тури бўлиб, шоҳ томонидан мажбурий хизматга олинган, иқтисодий жиҳатдан шоҳга қарам бўлган шахс.

ҚОДИР ХУДО

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ҚОНУН

Ушбу таржимада “қонун” ёки “қонунлар” сўзлари кўпинча Худонинг Мусо орқали Исроил халқига берган қонун–қоидаларига ишора қилади. Бу қонун–қоидалар Тавротда ёзилган. Қонунларда Худонинг Исроил халқи билан тузган аҳд шартлари ва қоидалари

қайд этилган.

Қонунлар ўнта амр билан бошланган[1]. Бу амрларни Худо Ўз қўли билан икки тош лавҳага ёзган. Бу лавҳалар Аҳд сандиғида сақланган[2]. Қонунларнинг тўлиқ мажмуаси Исроил халқининг диний ва ижтимоий ҳаётига оид кўплаб батафсил қоидаларни ўз ичига олган. Худога сажда қилиш, қурбонликлар ва назрлар келтириш, поклик, Шаббат кунига риоя қилиш, байрамларни нишонлаш, ворислик, йўқолган ёки ўғирланган нарсалар, ҳалол ва ҳаром жониворлар, ахлоқий ҳаётга оид йўл–йўриқлар ва қоидалар шулар жумласидандир.

Исроил халқи қонунларни бажариш орқали Худога бўлган садоқатини яққол кўрсатарди[3]. Исо Масиҳ, барча қонунлар "Эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, жону дилингиз билан, бутун онгингиз билан севинг" ва "Ўзгани ўзингизни севгандай севинг" деган амрларда мужассамдир, деб айтган[4]. Қонунлар Худонинг эзгулик ва солиҳлик мезони бўлиб хизмат қилади, инсоннинг гуноҳкор эканлигини очиқ–ойдин кўрсатади[5].

[1] Чиқиш 20:1-17 [2] Чиқиш 25:16, 34:1, 28 [3] Қонунлар 7:7-15, 8:1-20 [4] Матто 22:35-40, Луқо 10:25-37 [5] Римликлар 7:7-13

ҚОЯ

ХУДОНИНГ НОМЛАРИ иборасига қаранг.

ҚУДДУС

Қуддус Ўрта ер денгизидан қарийб 50 километр шарқда, тоғ тизмасида жойлашган. Илгари бу шаҳар тоғдаги қалъа бўлган, кейинчалик эса кенгайиб, атрофдаги қирлар ва водийларни ўз ичига олган. Милоддан олдинги 1000 йилда шоҳ Довуд Қуддусни босиб олгандан кейин шаҳар Исроил халқи учун сиёсий ва диний марказга айланган.

Қадимда Қуддус шаҳрининг номи Салим эди. Салим шоҳи ва руҳонийси Маликсидиқ Иброҳим билан учрашиб, уни дуо қилган[1]. Кейинроқ Худо Иброҳимга ўғли Исҳоқни шу шаҳарга яқин жойда қурбонлик қилишни буюрган[2]. Исроил халқи Канъон юртини босиб олгандан кейин Қуддусни қўлга киритган, аммо шаҳарнинг туб аҳолиси — Ёбус халқи у ерда яшаб қолаверган[3]. Довуд барча Исроил қабилаларининг шоҳи бўлгандан кейин Ёбусларнинг қалъасини, яъни Қуддусни[4] қўлга киритган ва уни ўз шоҳлигининг пойтахти қилган[5]. Довуд Аҳд сандиғини Қуддусга келтирган ва Қуддус Аҳд сандиғининг доимий маскани бўлиб қолган[6]. Довуд Қуддусда Худога атаб Маъбад қурмоқчи бўлган, аммо Маъбадни Довуд эмас, балки унинг ўғли шоҳ Сулаймон қурган[7].

Милоддан олдинги 586 йилда Қуддусни Бобил қўшини босиб олган. Шаҳардаги бинолар ва Маъбад талон–тарож қилиниб, уларга ўт қўйилган, шаҳар деворлари бузилган, аҳолиси эса асирликка олиб кетилган[8]. Милоддан олдинги 538 йилда, Форс империяси ҳукмронлиги даврида яҳудийларга ўз ватанига қайтишга ва Маъбадни қайта қуришга ижозат берилган[9]. Милоддан олдинги 445 йилда Форс шоҳи амалдори Нахимиё Қуддусга бориб, шаҳар деворларининг қурилишига бошчилик қилган. Милоддан олдинги 332 йилда Қуддус шаҳри ҳеч бир қаршиликсиз Искандар Зулқарнайнга таслим бўлган. Милоддан олдинги 63 йилга қадар, тахминан 100 йил давомида Қуддус шаҳри мустақил яҳудий давлатининг пойтахти бўлган. Милоддан олдинги 63 йилда эса бу юрт Рим империяси томонидан босиб олинган ва унга қарам бўлиб қолган.

Исо Масиҳ, яҳудий урф–одатларига кўра, белгиланган диний байрамлар пайтида Қуддусни зиёрат қилгани борарди[10]. У Қуддусда Фисиҳ байрами айёмида қўлга олинган ва ўлимга ҳукм қилиниб, хочга михланган. Исо Масиҳ ўликдан тирилгандан кейин Қуддусда шогирдларига зоҳир бўлган. Исо уларга, Худо сизларни Муқаддас Руҳга чўмдирмагунча Қуддусда қолинглар, деб буюрган[11]. Исонинг издошлари биринчи марта Қуддусда қувғин қилинганлар[12]. Милодий 66 йилда Яҳудия вилоятининг аҳолиси Рим ҳукуматига қарши исён кўтарган. Милодий 70 йилда Римликлар Титус бошчилигида Қуддусни яна қўлга киритиб, шаҳарни ва Маъбадни ер билан яксон қилганлар. Шундай қилиб, Исонинг башорати амалга ошган[13].

Самовий Қуддус деганда Худонинг самодаги маскани назарда тутилади, келажакда эса бу маскан ер юзида бўлади[14].

[1] Ибтидо 14:17-20, Ибронийлар 7:1-2 [2] Ибтидо 22:1-2 га ва ўша оятнинг изоҳига қаранг. [3] Ҳакамлар 1:21 [4] СИОН сўзига қаранг. [5] 2 Шоҳлар 5:6-7 [6] 2 Шоҳлар 6:1-19

[7] 2 Шоҳлар 7:1-17, 3 Шоҳлар 5:1-6:38 [8] 4 Шоҳлар 25:8-17, 2 Солномалар 36:13-21 [9] Эзра 1:1-11 [10] Луқо 2:41-42, Юҳанно 4:45, 7:2-4, 10, 10:22-23 [11] Ҳаворийлар 1:3-5, 2:1-13 [12] Ҳаворийлар 8:1-3 [13] Луқо 19:41-44, 21:5-6 [14] Ибронийлар 12:22, Ваҳий 21:2-3

ҚУМРОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

ИБРОНИЙЧА МАТН иборасига қаранг.

ҚУРБОНГОҲ

Тошдан ёки лойдан қурилган махсус жой. Қадимда одамлар қурбонгоҳларда назрлар ва қурбонликлар куйдирганлар, тутатқи тутатганлар. Қурбонгоҳ муқаддас ҳисобланган.

Муқаддас Китобнинг кўп ўринларида “қурбонгоҳ” сўзи Муқаддас чодирнинг ҳовлисидаги, кейинчалик эса Маъбаднинг ҳовлисидаги бронза қурбонгоҳга нисбатан ишлатилган. Руҳонийлар Исроил халқи учун ҳар хил қурбонликлар ва назрлар куйдиришда бронза қурбонгоҳдан фойдаланганлар.





БРОНЗА ҚУРБОНГОҲ, ҚУРБОНЛИК КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНГОҲ

Бронзадан ясалган бу қурбонгоҳ Муқаддас чодирнинг ҳовлисида, кейинчалик эса Маъбад ҳовлисида ўрнаштирилган эди.



ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ, ОЛТИН ТУТАТҚИ ҚУРБОНГОҲИ

Акас ёғочидан ясалган, усти тоза олтин билан қопланган қурбонгоҳ. Бу қурбонгоҳ Муқаддас чодирнинг, кейинчалик эса Маъбаднинг Энг муқаддас хонаси олдида ўрнаштирилган эди. Руҳонийлар бу қурбонгоҳ устида Исроил халқи учун тутатқи тутатардилар.



ҚУРБОНЛИК

Худога сажда қилиш учун буқа, қўзи, эчки, каптар ёки мусича каби жониворлар қурбонлик қилинарди. Жонивор сўйилгандан кейин, унинг бир қисми Худога ёқимли ҳид бўлиши учун назр сифатида қурбонгоҳда куйдирилган. Қолган қисми эса руҳонийларга берилган ёки сажда қилувчилар томонидан ейилган. Исроил халқи Худога шукрона айтиш, Худодан марҳамат ва барака тилаш, гуноҳлари учун кечирим сўраш мақсадида қурбонликлар келтирган. Эски Аҳдда айтиб ўтилган бешта қурбонлик тури қуйидагича:

КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНЛИК, КУЙДИРИЛАДИГАН НАЗР

Бу турдаги қурбонликнинг ҳамма аъзолари қурбонгоҳда батамом куйдирилган. Бундай қурбонликни келтиришдан асосий

мақсад — қурбонликни куйдирганда чиқаётган ҳид билан Худони мамнун қилиш эди. Левилар 1:1-17, 6:8-13 га қаранг.

ТИНЧЛИК ҚУРБОНЛИГИ, ТИНЧЛИК НАЗРИ

Бу турдаги қурбонликнинг бир қисми қурбонгоҳда куйдирилган, қолгани эса руҳонийларга берилган ёки сажда қилувчилар томонидан ейилган. Худога шукрона тариқасида ёки Ундан ёрдам, марҳамат ва барака сўраб келтирилган бу қурбонлик тури бошқа қурбонликларга қараганда кўп қилинган. Кўпинча Эски Аҳднинг ибронийча матнида "тинчлик қурбонлиги" ибораси "қурбонлик" сўзи билан ифодаланган. Левилар 3:1-17, 7:11-21 га қаранг.

ШУКРОНА ҚУРБОНЛИГИ, ШУКРОНА НАЗРИ

Тинчлик қурбонлиги ва тинчлик назри шу номлар билан ҳам аталган. Левилар 7:11-15 га қаранг.

ГУНОҲ ҚУРБОНЛИГИ

Бу турдаги қурбонликни бирортаси билмай қилган гуноҳи учун Худодан кечирим сўраб келтирган. Булғанган одамни поклаш учун келтириладиган бу қурбонлик покланиш маросимининг бир қисми эди. Қурбонликнинг қони бир неча усул билан покланиш маросимида ишлатилган. Қурбонликнинг бир қисми қурбонгоҳда куйдирилган, қолгани эса ё руҳонийларга берилган ёки қароргоҳ ташқарисида ҳалол жойда куйдириб юборилган. Левилар 4:1-5:13, 6:24-30 га қаранг.

АЙБ ҚУРБОНЛИГИ

Гуноҳ қурбонлигининг махсус тури. Бирор одам бошқасини алдаганда, ўғрилик қилганда ёки бошқа бировга моддий зарар етказганда айб қурбонлигини келтирган. Бирортаси Худога бағишланган нарсани ўзлаштириб олганда ҳам айб қурбонлигини келтириши керак эди. Айбдор одам бу қурбонликни келтириш билан бирга, ўғирлаган ёки зарар етказган нарсанинг тўлиқ нархини, бунинг устига ўша нарса қийматининг 20 фоизини жарима сифатида тўлаган. Левилар 5:14-6:7, 7:1-10 га қаранг.

ҚУРБОНЛИК КУЙДИРИЛАДИГАН ҚУРБОНГОҲ

ҚУРБОНГОҲ сўзига қаранг.

ҚУРОЛБАРДОР

Қадимда лашкарбошининг қуролларини кўтариб юрувчи жангчи.

ҚУРЪА

Қуръа ташлашда ёғоч бўлаклари ёки тошлар ишлатилган бўлиб, шу орқали Худонинг хоҳиш–иродаси аниқланган. Баъзан одамлар қуръа ташлаб, Худодан бирор ишни қандай ёки қачон қилиш кераклигини сўрашган.

ҚУТЛУҒ КЕЧА

Исо Масиҳ Ўз ўлимидан олдин шогирдлари билан бирга Фисиҳ таомини тановул қилган[1]. Ўша кеча Исо шогирдларига, сизлар бирга таом тановул қилганингизда, Мени хотирланглар, деб буюрган. Исо Масиҳнинг издошлари Унинг бу амрига итоат этиб, тез–тез йиғилиб турардилар ва биргаликда таом тановул қилардилар. Улар таомни тановул қилганларида, Исо буюргандай нон синдириб ердилар ва шаробдан ичардилар[2]. Шу тарзда улар Исо Масиҳга ўз эҳтиромини кўрсатиб, Исо уларнинг гуноҳлари учун қурбон бўлганига ишонганларини тасдиқлар эдилар[3], Исо Ўз севгисини қандай намоён қилганини хотирлар эдилар. Исо уларни қандай севган бўлса, шогирдлар ҳам бир–бирларини шундай севишлари керак эди[4].

[1] Луқо 22:14-20 [2] Ҳаворийлар 2:42, 46, 20:7
[3] 1 Коринфликлар 10:16-17, 21, 11:17-34 [4] Юҳанно 15:9-17

ҚЎЗИ

Қадимда қўзи ва бошқа ҳалол ҳайвонлар Худога қурбонлик қилинган[1]. Тавротга кўра, Исроил халқи Муқаддас чодирда, кейинчалик эса Маъбадда қурбонликлар келтириши керак эди. Улар ҳар куни эрталаб ва кечқурун, янги ой чиққанда ва белгиланган байрамларда қўзиларни қурбонлик қилардилар[2]. Ҳар йили нишонланадиган Фисиҳ байрамида ҳамма ўз уйида оловда пиширилган қўзи гўштини истеъмол қиларди[3]. Шундай қилиб, улар Худо Исроил халқининг тўнғич ўғилларини Мисрдаги охирги фалокатдан Фисиҳ қурбонлиги орқали қутқарганини эслашарди[4]. Одамлар ҳар қандай нопокликдан тозаланиш учун ўтказиладиган покланиш маросимларида ҳам қўзиларни қурбонлик қилишарди[5].

Ишаё пайғамбар одамзоднинг гуноҳини ўз бўйнига оладиган Худонинг қули ҳақида

башорат қилган. Худонинг бу қули бўғизланишга олиб кетилаётган қурбонлик қўзисига ўхшатилган[6]. Яҳё пайғамбар Исо Масиҳни бутун дунёни гуноҳлардан поклайдиган Худонинг Қўзиси деб атайди[7]. Исо Масиҳ Фисиҳ байрами айёмида хочга михланган. Бир неча йиллар ўтиб Павлус, Исо Масиҳ бизнинг Фисиҳ қурбонлигимиз бўлди, деб таълим берган[8]. Ваҳий китобида Исо Масиҳ бўғизланган Қўзи каби тасвирланган[9]. Ўша Қўзи Худонинг душманлари устидан ғолиб чиқади ва Худо билан бирга абадий ҳукмронлик қилади[10].

[1] Ибтидо 4:4, 15:9, 22:7 [2] Тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун ҚУРБОНЛИК ва БАЙРАМЛАР сўзларига қаранг. [3] Чиқиш 12:1-13 [4] Чиқиш 12:26-27 [5] Левилар 12:6-7, 14:10-14, 19-20 [6] Ишаё 53:6-7 [7] Юҳанно 1:29, 36 [8] 1 Коринфликлар 5:7 [9] Ваҳий 5:6-14, 7:9-17 [10] Ваҳий 17:14, 21:22-27, 22:1-5

ҚЎЛ ТЕГИРМОН

Иккита ясси тош. Бу тошлар ёрдамида дон янчилиб, ун қилинар эди. Устки тош одатда думалоқ бўлиб, ўртасида тешиги бор эди. Шу тешикдан дон солинарди. Устки тошнинг дастаси бўлган. Шу дастадан ушлаб, устки тошни остки тош устида юрғизганлар.





ҲАВОРИЙ

Маълум бир хабарни етказиш учун юборилган элчи. Янги Аҳдда бу сўз асосан Исо Масиҳнинг ўн икки шогирдига нисбатан ишлатилган. Раббимиз Исо ҳаворийларни одамларга Хушхабар етказиш учун танлаган эди[1]. Исо Масиҳ тирилгандан кейин Уни кўрган жамоат йўлбошчиларига нисбатан ҳам ҳаворий сўзи ишлатилган. Ҳаворий Павлус ҳам улар қаторида эди[2]. Исо Масиҳ Павлусга[3] зоҳир бўлиб, унга Хушхабарни ёйиш вазифасини топширган[4]. Ҳаворийлар барча масиҳийлар орасида, айниқса ўзлари асос солган жамоатларда катта обрў–эътиборга эга бўлиб, қарорлар чиқариш ҳуқуқига эга эдилар[5]. “Ҳаворий” сўзи Хушхабарни эълон қилиш учун юборилган одамларга нисбатан ҳам ишлатилган.

[1] Луқо 6:12-16 [2] 1 Коринфликлар 15:5-9 [3] Павлуснинг асл исми Шоул эди. [4] Ҳаворийлар 9:1-19, Галатияликлар 1:1-2, 11-12 [5] Ҳаворийлар 14:23, 15:1-2, 22-29, 1 Коринфликлар 9:1-2, 12:28, Эфесликлар 4:11-12

ҲОВУЗ

БРОНЗАДАН ЯСАЛГАН ҲОВУЗ иборасига қаранг.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

БАЙРАМЛАР сўзига қаранг.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Муқаддас чодир



**луғатдаги расмга қаранг*

Шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад



**луғатдаги расмга қаранг*

Ҳизқиёл ваҳийда кўрган Маъбаднинг лойиҳаси

Бу лойиҳа Ҳизқиёлнинг ваҳийсига асосланган (Ҳизқиёл 40-42–бобларга қаранг). Ушбу лойиҳа шоҳ Сулаймон қурдирган Маъбад лойиҳасидан ва шоҳ Ҳирод қурдирган Маъбад лойиҳасидан фарқ қилади.



МАЪБАДНИНГ УМУМИЙ ЛОЙИҲАСИ

1. Ташқи девор (40:5, 42:15-20)
2. Шарқий дарвоза биноси (40:5-16)
3. Шимолий дарвоза биноси (40:20-23)
4. Жанубий дарвоза биноси (40:24-27)
5. Ташқи ҳовли (40:17)
6. Тош ётқизилган йўл ва ҳужралар (40:17-18)
7. Ички ҳовли (40:28)
8. Ички ҳовли: жанубий дарвоза биноси (40:28-31)
9. Ички ҳовли: шарқий дарвоза биноси (40:32-24)
10. Ички ҳовли: шимолий дарвоза биноси (40:35-37)
11. Қурбонлик учун бўғизланган ҳайвонлар ювиладиган хона (40:38)
12. Руҳонийларнинг хонаси (40:44-46)
13. Маъбад биноси
14. Ғарб томондаги иморат (41:12)
15. Шимол томондаги хоналар (42:1-10)
16. Жануб томондаги хоналар (42:10-11)
17. Ошхоналар (46:21-22)
18. Қурбонгоҳ (40:47, 43:13-17)



МАЪБАД МАЙДОНИ (Ҳизқиёл 40:48-41:15)

1. Зинапоя (40:49)
2. Устунлар (40:49)
3. Айвоннинг ён деворлари (40:48)
4. Айвон (40:49)
5. Ён деворлар (41:1)
6. Асосий хона (41:2)
7. Ён деворлар (41:3)
8. Энг муқаддас хона (41:4)
9. Ташқи девор (41:5)
10. Ён хоналар (41:5)
11. Ён хоналарнинг ташқи деворлари (41:9)
12. Ички ҳовли (41:9-10)
13. Девор (41:9)
14. Ғарб томондаги иморат (41:12)
15. Маъбад ҳовлиси (41:12)
16. Маъбад ҳовлисининг шарқ томонга қараган қисми (41:14)

Шоҳ Ҳирод қурдирган Маъбад лойиҳаси
Исо Масиҳ даврида



Шоҳ Ҳирод қурдирган Маъбад
Исо Масиҳ даврида



ЭСКИ АҲД ХРОНОЛОГИЯСИ ЖАДВАЛИ

	Инсоният тарихининг илк даври
	Дунёнинг яратилиши (Ибтидо 1-2–боблар)
	Одам Ато ва Момо Ҳаво (Ибтидо 2–боб)
	Қобил ва Ҳобил (Ибтидо 4–боб)
	Нуҳ (Ибтидо 6-9–боблар)
	Бобил минораси (Ибтидо 11–боб)

Тахминий сана	**Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб пайғамбарлар даври**
мил. ол. 2150-1800[1]	Иброҳим (Ибтидо 12-25–боблар)
	Исҳоқ (Ибтидо 21-27–боблар)
	Ёқуб (Ибтидо 25, 27-35–боблар)
	Юсуф (Ибтидо 37, 39-50–боблар)
	Ёқуб ва унинг оиласи Мисрга кўчади (Ибтидо 46–боб)
	Аюб ва унинг тортган азоб–уқубатлари (Аюб 1-42–боблар)

Тахминий сана	**Исроил халқи Мисрдан чиқиб кетади, Канъон юртини босиб олади**
	Мусо ва Исроил халқи Мисрда (Чиқиш 1-12–боблар)
мил. ол. 1440	Исроил халқи Мусо бошчилигида Мисрдан чиқиб кетади (Чиқиш 12-14–боблар)
	Мусо ва Исроил халқи 40 йил саҳрода яшайди (Чиқиш 15:1 дан Қонунлар 34:12 гача)
	Исроил халқи Ёшуа бошчилигида Канъон юртини босиб олади (Ёшуа 1-24–боблар)
мил. ол. 1375-1050	Исроил халқини бошқарган ҳакамлар даври (Ҳакамлар 1:1 дан 1 Шоҳлар 7:17 гача)

Тахминий сана	**Ягона Исроил юртининг шоҳлари**	**Пайғамбарлар**
мил. ол. 1050-950	Шоул (40 йил)	Шомуил
	Довуд (40 йил)	Натан
	Сулаймон (40 йил)	

[1] яъни милоддан олдинги 2150-1800 йиллар

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Тахминий сана	Исроил шоҳлари	Яҳудо шоҳлари	Пайғамбарлар
мил. ол. 950-900	Ерибом (22 йил)	Рахабом (17 йил)	Охиё
	Надов (2 йил)	Абиё (3 йил)	
	Башо (24 йил)	Осо (41 йил)	
мил. ол. 900-850	Элох (2 йил)	Ёҳушафат (25 йил)	Илёс
	Зимри (7 кун)		
	Омри (12 йил)		
	Ахаб (22 йил)		
	Охозиё (2 йил)		
мил. ол. 850-800	Ёрам (12 йил)	Ёҳурам (8 йил)	Элишай
	Ёҳу (28 йил)	Охозиё (1 йил)	Йўэл
	Ёҳухоз (17 йил)	малика Оталиё (7 йил)	
		Йўш (40 йил)	
мил. ол. 800-750	Ёҳўш (16 йил)	Эмозиё (29 йил)	Юнус
	Ёрубом (41 йил)	Уззиё (52 йил)	Амос
	Закариё (6 ой)	Йўтом (16 йил)	Хўшея
	Шаллум (1 ой)		
	Манахим (10 йил)		
мил. ол. 750-700	Пакахиё (2 йил)	Охоз (16 йил)	Михо
	Пеках (20 йил)	Ҳизқиё (29 йил)	Ишаё
	Хўшея (9 йил)		
мил. ол. 722	**Самария қулайди, Исроил халқи Ассурияга сургун қилинади**		
мил. ол. 700-600		Манаше (55 йил)	Нохум
		Омон (2 йил)	Зафаниё
		Йўшиё (31 йил)	Хабаққуқ
		Ёҳухоз (3 ой)	Еремиё
		Ёҳайиқим (11 йил)	Дониёр
мил. ол. 600-550		Ёҳайихин (3 ой)	Ободиё
		Зидқиё (11 йил)	Ҳизқиёл
мил. ол. 586		**Қуддус қулайди, Яҳудо халқи Бобилга сургун қилинади**	

Тахминий сана	Яҳудийлар Бобилдаги сургундан қайтиб келишади	Пайғамбарлар
мил. ол. 550-500	Зарубабел бошчилигида бир гуруҳ яҳудийлар Бобилдан Қуддусга қайтиб келиб, Маъбадни қайта қуришади (Эзра 1:1-4:5, 4:24-6:22)	Хаггей Закариё
мил. ол. 500-450	Эзра бошчилигида яна бир гуруҳ яҳудийлар Бобилдан Қуддусга қайтишади (Эзра 7-10–боблар)	
мил. ол. 450-400	Нахимиё бошчилигида бошқа бир гуруҳ яҳудийлар Бобилдан Қуддусга қайтиб, шаҳар деворини тиклашади (Нахимиё 1-13–боблар)	Малаки

ЯНГИ АҲД ХРОНОЛОГИЯСИ ЖАДВАЛИ

Тахминий сана	Одамлар, воқеалар ва китоблар
мил. ол. 37-4	Буюк Ҳирод қадимги Фаластинда ҳукмронлик қилган давр
мил. ол. 27-мил. 14[1]	Қайсар Август Рим империясида ҳукмронлик қилган давр
мил. ол. 4	Исо Масиҳ туғилади
мил. 26-29	Яҳё чўмдирувчи фаолият кўрсатган давр
мил. 26-36	Пўнтий Пилат Яҳудия вилоятида ҳокимлик қилган давр
мил. 27-30	Исо Масиҳ ер юзида хизмат қилган давр
мил. 30	Исо Масиҳ хочда жон беради ва учинчи куни ўликдан тирилади
мил. 30	Ҳосил байрами куни 3000 одам Исога имон келтиради
мил. 35	Павлус Дамашқ йўлида Исога имон келтиради
мил. 46-48	Ҳаворий Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган биринчи сафари
мил. 48	Исонинг укаси Ёқуб ўз мактубини ёзади[2]
мил. 49	Ҳаворий Павлус “Галатияликларга мактуб”ини ёзади
мил. 50	Ҳаворий ва оқсоқолларнинг Қуддусдаги биринчи маслаҳат йиғини (Ҳаворий 15–боб)
мил. 50-52	Ҳаворий Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган иккинчи сафари
мил. 51	Ҳаворий Павлус Коринф шаҳрида “Салоникаликларга биринчи мактуб”ини ёзади
мил. 52	Ҳаворий Павлус Коринф шаҳрида “Салоникаликларга иккинчи мактуб”ини ёзади
мил. 53-57	Ҳаворий Павлуснинг Хушхабар ёйиш мақсадида қилган учинчи сафари
мил. 54-68	Қайсар Нерон Рим империясида ҳукмронлик қилган давр
мил. 55	Ҳаворий Павлус Эфес шаҳрида “Коринфликларга биринчи мактуб”ини ёзади
мил. 55	Ҳаворий Павлус Македония вилоятида “Коринфликларга иккинчи мактуб”ини ёзади
мил. 55	Марк Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни ёзади
мил. 57	Ҳаворий Павлус Коринф шаҳрида “Римликларга мактуб”ини ёзади

[1] яъни милоддан олдинги 27 йилдан то милодий 14 йилгача

[2] Янги Аҳд таркибидаги китобларнинг жойлашув тартиби ва уларнинг аниқ қайси пайтда ёзилгани ҳақида ҳамма олимлар ҳам бир фикрда эмас. Бу жадвалда олимларнинг аксарият қисми қабул қилган жойлашув тартиби ва хронологияси берилган.

Тахминий сана	Одамлар, воқеалар ва китоблар
мил. 59-62	Ҳаворий Павлус Қайсарнинг ҳукмини талаб қилади, Римда уй қамоғида ўтиради
мил. 60	Ҳаворий Павлус Римдаги уй қамоғида “Колосаликларга мактуб”ини ёзади
мил. 60	Ҳаворий Павлус Римдаги уй қамоғида “Филимўнга мактуб”ини ёзади
мил. 60	Ҳаворий Павлус Римдаги уй қамоғида “Эфесликларга мактуб”ини ёзади
мил. 60	Ҳаворий Матто Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни ёзади
мил. 60	Луқо Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни ёзади
мил. 61	Ҳаворий Павлус Римдаги уй қамоғида “Филиппиликларга мактуб”ини ёзади
мил. 63	Ҳаворий Бутрус биринчи мактубини ёзади
мил. 63	Луқо “Ҳаворийларнинг фаолияти” китобини ёзади
мил. 64	Ҳаворий Павлус “Тимўтийга биринчи мактуб”ини ёзади
мил. 64	Ҳаворий Павлус “Титусга мактуб”ини ёзади
мил. 64	Рим шаҳрида юз берган кучли ёнғин шаҳарнинг аксарият қисмини йўқ қилади, Император Нерон бунда масиҳийларни айблаб, уларни шафқатсизларча қувғин қила бошлайди
мил. 65	Исонинг укаси Яҳудо ўз мактубини ёзади
мил. 66-67	Император Нерон ҳукмронлиги даврида ҳаворий Павлус Римда ҳибсга олинади
мил. 67	Ҳаворий Павлус Римдаги қамоқхонада “Тимўтийга иккинчи мактуб”ини ёзади
мил. 67	Ҳаворий Бутрус иккинчи мактубини ёзади
мил. 68	“Ибронийларга мактуб” ёзилади
мил. 69-79	Қайсар Веспасиан Рим империясида ҳукмронлик қилган давр
мил. 70	Яҳудийлар Рим истибдодига қарши исён кўтарганлари учун, Рим лашкари Қуддусни ва Маъбадни вайрон қилади, кўп яҳудийларни қириб юборади
мил. 81-96	Қайсар Домитиан Рим империясида ҳукмронлик қилган давр
мил. 85	Ҳаворий Юҳанно Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни ёзади
мил. 90	Ҳаворий Юҳанно биринчи мактубини ёзади
мил. 90	Ҳаворий Юҳанно иккинчи мактубини ёзади
мил. 90	Ҳаворий Юҳанно учинчи мактубини ёзади
мил. 90-95	Ҳаворий Юҳанно Патмос оролига сургун қилинади
мил. 95	Ҳаворий Юҳанно Патмос оролида “Ваҳий” китобини ёзади

ЎХШАШ ПАРЧАЛАР ЖАДВАЛЛАРИГА КИРИШ

Айрим ҳолларда Муқаддас Китобдаги баъзи оятларнинг мазмуни айнан бир китобнинг ўзида ёки бошқа китобда такрорланади. Бундай такрорлар, асосан, 2-4 Шоҳлар китобларида, 1-2 Солномалар китобларида ва тўртта Хушхабарда учрайди. Китобхонларимизга ўхшаш парчаларни топишга ёрдам бериш мақсадида, Эски Аҳд ва Янги Аҳд китоблари учун қуйидаги жадваллар ишлаб чиқилди. Бу жадвалларда ўхшаш парчаларнинг асосий мавзуси ифодаланган ва ўша парчаларнинг Муқаддас Китобдаги манзили келтирилган. Жадвалларни тузишдан яна бир мақсад китобхонга 2-4 Шоҳлар, 1-2 Солномалар китоблари ва тўртта Хушхабарларни яхшироқ қиёслаш имконини беришдир. Шунинг учун баъзи воқеалар мана шу китобларнинг фақатгина биттасида ёритилган бўлса–да, ўша воқеанинг манзили жадвалга киритилган.

ЭСКИ АҲДДАГИ ЎХШАШ ПАРЧАЛАР ЖАДВАЛИ

Чиқиш, Левилар, Саҳрода, Қонунлар, Ёшуа, Ҳакамлар

Парчанинг асосий мавзуси	Ўхшаш парчалар манзиллари
Фисиҳ зиёфати ва Хамиртуруш-сиз нон байрами	Чиқиш 12:14-20, Левилар 23:5-8, Саҳрода 28:16-25, Қонунлар 16:1-8
Ўнта амр	Чиқиш 20:1-17, Қонунлар 5:6-21
Қутлуғ йил (еттинчи йил)	Левилар 25:8-38, Қонунлар 15:1-11
Муқаддас чодир учун назрлар	Чиқиш 25:1-7, 35:4-19, 39:32-41
Аҳд сандиғи	Чиқиш 25:10-20, 37:1-9
Олтин хонтахта	Чиқиш 25:23-29, 37:10-16
Чироқпоя	Чиқиш 25:31-39, 37:17-24
Муқаддас чодир	Чиқиш 26:1-37, 36:8-38
Бронза қурбонгоҳ	Чиқиш 27:1-8, 38:1-7
Чироқпоя учун мой	Чиқиш 27:20-21, Левилар 24:1-3
Эфод	Чиқиш 28:6-14, 39:2-7
Кўкракпеч	Чиқиш 28:15-28, 39:8-21
Бошқа руҳонийлик либослари	Чиқиш 28:31-43, 39:22-31
Руҳонийларнинг бағишланиши	Чиқиш 29:1-37, Левилар 8:1-36
Тутатқи қурбонгоҳи	Чиқиш 30:1-5, 37:25-28
Базалил ва Охолиёв	Чиқиш 31:2-6, 35:30-35
Ҳалол ва ҳаром ҳайвонлар	Левилар 11:1-23, Қонунлар 14:3-20
Ҳосил байрами	Левилар 23:15-22, Саҳрода 28:26-31, Қонунлар 16:9-12
Карнай байрами	Левилар 23:23-25, Саҳрода 29:1-6
Покланиш куни	Левилар 16:1-34, 23:26-32, Саҳрода 29:7-11
Чайла байрами	Левилар 23:33-43, Саҳрода 29:12-39, Қонунлар 16:13-17
Паноҳ шаҳарлар	Саҳрода 35:6-34, Қонунлар 4:41-43, 19:1-14, Ёшуа 20:1-9
Ўтниёл Давир шаҳрини қўлга киритади	Ёшуа 15:15-19, Ҳакамлар 1:11-15
Ёшуа вафот этади	Ёшуа 24:29-31, Ҳакамлар 2:7-9

1 Солномалар ва Эски Аҳддаги бошқа китоблар

Парчанинг асосий мавзуси	1 Солномалар	Ўхшаш парчалар манзиллари
Одам Атонинг насли	1:1-4	Ибтидо 5:1-32
Ёфаснинг насли	1:5-7	Ибтидо 10:2-4
Хомнинг насли	1:8-10	Ибтидо 10:6-8
Сомнинг насли	1:17-27	Ибтидо 10:22-29
Хатуро Иброҳимга туғиб берган ўғиллар	1:32-33	Ибтидо 25:1-4
Исҳоқнинг насли	1:34	Ибтидо 21:3, 25:25-26
Эсовнинг насли	1:35-37	Ибтидо 36:4-5, 10-13
Сеирнинг насли	1:39-42	Ибтидо 36:20-28
Эдом шоҳлари ва йўлбошчилари	1:43-54	Ибтидо 36:31-43
Ёқубнинг ўғиллари	2:1-2	Чиқиш 1:1-5
Яҳудонинг насли	2:3	Ибтидо 38:2-7, 46:12
Рамнинг насли	2:10-17	Рут 4:19-22
Хазроннинг насли	2:18-24	
Ярахмалнинг насли	2:25-41	
Холибнинг насли	2:42-55	
Довуднинг фарзандлари	3:1-4, 14:4-7	2 Шоҳлар 3:2-5, 5:14-15
Сулаймоннинг насли	3:10-24	
Яҳудонинг насли	4:1-23	
Шимўннинг насли	4:24-43	Саҳрода 26:12-14, Ёшуа 19:1-8
Рубеннинг насли	5:1-10	Ибтидо 46:9, Чиқиш 6:14, Саҳрода 26:5-7
Гаднинг насли	5:11-22	
Манаше қабиласининг ярми	5:23-26	

Парчанинг асосий мавзуси	1 Солномалар	Ўхшаш парчалар манзиллари
Левининг насли	6:1-30	
Маъбад созандалари	6:31-48	
Ҳоруннинг насли	6:49-53	
Левилар яшаган шаҳарлар	6:54-81	Ёшуа 21:4-39
Иссахорнинг насли	7:1-5	Ибтидо 46:13, Саҳрода 26:23-25
Бенямининг насли	7:6-12, 8:1-32	Ибтидо 46:21
Нафталининг насли	7:13	
Манашенинг насли	7:14-19	
Эфраймнинг насли	7:20-29	
Ошернинг насли	7:30-40	
Шоулнинг насли	8:33-40, 9:35-44	
Сургундан Қуддусга қайтиб келган халқ	9:1-34	
Шоулнинг ўлими	10:1-14	1 Шоҳлар 31:1-13
Довуд Исроил шоҳи бўлади	11:1-3	2 Шоҳлар 5:1-3
Довуд Қуддусни босиб олади	11:4-9	2 Шоҳлар 5:6-10
Довуднинг баҳодир жангчилари	11:10-47	2 Шоҳлар 23:8-39
Довуднинг Зихлахдаги издошлари	12:1-22	
Довуднинг Хевронда ги издошлари	12:23-40	
Уззох Аҳд сандиғига қўл теккизади	13:1-14	2 Шоҳлар 6:1-11
Довуднинг шуҳрати	14:1-17, 3:5-8	2 Шоҳлар 5:11-25
Аҳд сандиғи Қуддусга келтирилади	15:1-29	2 Шоҳлар 6:12-16
Довуд Худога сажда қилиб, шукрона қўшиғини айтади	16:1-36	2 Шоҳлар 6:17-19, Забур 95:1-13, 104:1-15
Довуд Қуддус ва Гивонда сажда қилишни йўлга қўяди	16:37-43	
Худо Довудга ваъда беради	17:1-15	2 Шоҳлар 7:1-17
Довуд Худога ҳамду сано айтади	17:16-27	2 Шоҳлар 7:18-29
Довуднинг жангдаги ғалабалари	18:1-13	2 Шоҳлар 8:1-14
Довуднинг аъёнлари	18:14-17	2 Шоҳлар 8:15-18
Довуд Оммон ва Орам халқларини мағлуб қилади	19:1-20:3	2 Шоҳлар 10:1-11:1, 12:29-31

Парчанинг асосий мавзуси	1 Солномалар	Ўхшаш парчалар манзиллари
Филист паҳлавонларига қарши жанг	20:4-8	2 Шоҳлар 21:18-22
Довуднинг зафар қўшиғи		2 Шоҳлар 22:1-51, Забур 17:1-51
Довуд халқни рўйхатга олади	21:1-22:1	2 Шоҳлар 24:1-25
Довуд Маъбадни қуришга тайёргарлик кўради	22:2-19	
Сулаймон шоҳ қилиб тайинланади	23:1	
Левилар ва уларнинг вазифалари	23:2-32	
Руҳонийлар ва уларнинг вазифалари	24:1-19	
Леви уруғбошиларининг рўйхати	24:20-31	
Маъбад созандалари ва уларнинг вазифалари	25:1-31	
Маъбад дарвозабонлари ва уларнинг вазифалари	26:1-19	
Бошқа левилар ва уларнинг вазифалари	26:20-32	
Лашкарбошилар	27:1-24	
Аъёнлар	27:25-34	
Довуд Маъбадни қуриш учун кўрсатма беради	28:1-21	
Маъбад қурилиши учун ҳадялар	29:1-9	
Довуд Худони мадҳ қилади	29:10-20	
Сулаймон тахтга ўтиради	29:21-25	
Довуднинг ўлими	29:26-30	3 Шоҳлар 2:10-11

2 Солномалар ва Эски Аҳддаги бошқа китоблар

Парчанинг асосий мавзуси	2 Солномалар	Ўхшаш парчалар манзиллари
Сулаймоннинг шоҳлиги ўрнатилади	1:1-4	3 Шоҳлар 2:46
Сулаймон донолик сўраб ибодат қилади	1:5-13	3 Шоҳлар 3:4-15
Сулаймоннинг бойлиги	1:14-17, 9:25-28	3 Шоҳлар 10:26-29
Сулаймоннинг донишмандлигидан бир лавҳа		3 Шоҳлар 3:16-28
Сулаймоннинг аъёнлари		3 Шоҳлар 4:1-19
Сулаймон ҳукмронлигининг равнақ топиши		3 Шоҳлар 4:20-34
Маъбад қурилиши учун тайёргарлик	2:1-18	3 Шоҳлар 5:1-18
Маъбад қурилиши	3:1-14	3 Шоҳлар 6:1-38
Сулаймоннинг саройи		3 Шоҳлар 7:1-12
Маъбад ичидаги нарсалар	3:15-5:1	3 Шоҳлар 7:13-51
Аҳд сандиғи Маъбадга келтирилади	5:2-6:11	3 Шоҳлар 8:1-21
Сулаймоннинг ибодати	6:12-42	3 Шоҳлар 8:22-53, Забур 131:8-10
Маъбад Эгамизга бағишланади	7:1-10	3 Шоҳлар 8:54-66
Худо Сулаймонга зоҳир бўлади	7:11-22	3 Шоҳлар 9:1-9
Сулаймоннинг эришган ютуқлари	8:1-18	3 Шоҳлар 9:10-28
Шава маликаси Қуддусга ташриф буюради	9:1-12	3 Шоҳлар 10:1-13
Сулаймоннинг бойлиги	9:13-28, 1:14-17	3 Шоҳлар 10:14-29
Сулаймоннинг хотинлари		3 Шоҳлар 11:1-13
Сулаймоннинг душманлари		3 Шоҳлар 11:14-25
Еribом Сулаймонга қарши исён кўтаради		3 Шоҳлар 11:26-40
Сулаймоннинг ўлими	9:29-31	3 Шоҳлар 11:41-43
Шимолдаги қабилалар қўзғолони	10:1-19	3 Шоҳлар 12:1-20
Шамаёнинг башорати	11:1-4	3 Шоҳлар 12:21-24
Исроил шоҳи Еribом		3 Шоҳлар 12:25-14:20
Яҳудо шоҳи Рахабомнинг қалъалари	11:5-17	
Рахабомнинг хонадони	11:18-23	
Миср Яҳудо юртига ҳужум қилади	12:1-14	3 Шоҳлар 14:21-28

Парчанинг асосий мавзуси	2 Солномалар	Ўхшаш парчалар манзиллари
Рахабомнинг ўлими	12:15-16	3 Шоҳлар 14:29-31
Яҳудо шоҳи Абиё	13:1-22	3 Шоҳлар 15:1-7
Яҳудо шоҳи Осо	14:1-15	3 Шоҳлар 15:8-12
Осонинг ислоҳотлари	15:1-19	3 Шоҳлар 15:13-16
Осо ҳукмронлигининг охирги даври	16:1-10	3 Шоҳлар 15:17-22
Осонинг ўлими	16:11-14	3 Шоҳлар 15:23-24
Исроил шоҳи Надов		3 Шоҳлар 15:25-32
Исроил шоҳи Башо		3 Шоҳлар 15:33-16:7
Исроил шоҳи Элох		3 Шоҳлар 16:8-14
Исроил шоҳи Зимри		3 Шоҳлар 16:15-20
Исроил шоҳи Омри		3 Шоҳлар 16:21-28
Исроил шоҳи Ахаб		3 Шоҳлар 16:29-34
Илёс пайғамбар		3 Шоҳлар 17:1-19:21
Ахаб ва Орам шоҳи Банҳадад орасидаги уруш		3 Шоҳлар 20:1-43
Ахаб Навўтни ўлдиради		3 Шоҳлар 21:1-29
Яҳудо шоҳи Ёҳушафат	17:1-19	
Михиё пайғамбар шоҳ Ахабни огоҳлантиради	18:1-27	3 Шоҳлар 22:1-28
Ахабнинг ўлими	18:28-34	3 Шоҳлар 22:29-40
Валий Ёҳу Ёҳушафатга танбеҳ беради	19:1-3	
Ёҳушафатнинг ислоҳотлари	19:4-11	
Ёҳушафат атрофидаги халқлар билан уруш қилади	20:1-30	
Ёҳушафат ҳукмронлигининг сўнгги даври	20:31-21:3	3 Шоҳлар 22:41-50
Исроил шоҳи Охозиё		3 Шоҳлар 22:51-53
Илёс пайғамбар ва Охозиё		4 Шоҳлар 1:1-18
Илёс осмонга олинади		4 Шоҳлар 2:1-25
Мўаб ва Исроил ўртасидаги уруш		4 Шоҳлар 3:1-27
Элишай пайғамбар		4 Шоҳлар 4:1-8:15
Яҳудо шоҳи Ёҳурам	21:4-20	4 Шоҳлар 8:16-24

Парчанинг асосий мавзуси	2 Солномалар	Ўхшаш парчалар манзиллари
Яҳудо шоҳи Охозиё	22:1-6	4 Шоҳлар 8:25-29
Ёҳу Исроил устидан шоҳ қилиб тайинланади		4 Шоҳлар 9:1-13
Ёҳу Исроил шоҳи Ёрамни ва Яҳудо шоҳи Охозиёни ўлдиради	22:7-9	4 Шоҳлар 9:14-29
Ёҳу Изабелни ўлдиради		4 Шоҳлар 9:30-37
Ёҳу Ахаб хонадонини ўлдиради		4 Шоҳлар 10:1-17
Ёҳу Баалга сиғинганларни ўлдиради		4 Шоҳлар 10:18-28
Ёҳунинг ҳукмронлиги		4 Шоҳлар 10:29-36
Яҳудо маликаси Оталиё	22:10-12	4 Шоҳлар 11:1-3
Малика Оталиё ўлдирилади	23:1-21	4 Шоҳлар 11:4-20
Яҳудо шоҳи Йўш	24:1-16	4 Шоҳлар 11:21-12:16
Йўш ҳукмронлигининг охирги даври	24:17-27	4 Шоҳлар 12:17-21
Исроил шоҳи Ёҳухоз		4 Шоҳлар 13:1-9
Исроил шоҳи Ёҳўш		4 Шоҳлар 13:10-11
Ёҳўш ва Элишай пайғамбар		4 Шоҳлар 13:14-25
Ёҳўшнинг ўлими		4 Шоҳлар 13:12-13, 14:15-16
Яҳудо шоҳи Эмозиё	25:1-24	4 Шоҳлар 14:1-14
Эмозиёнинг ўлими	25:25-28	4 Шоҳлар 14:17-20
Уззиё Яҳудо шоҳи қилиб тайинланади	26:1-2	4 Шоҳлар 14:21-22
Исроил шоҳи Ёрубом		4 Шоҳлар 14:23-29
Уззиёнинг ҳукмронлиги	26:3-15	4 Шоҳлар 15:1-4
Худо Уззиёни тери касаллигига йўлиқтиради	26:16-21	4 Шоҳлар 15:5
Уззиёнинг ўлими	26:22-23	4 Шоҳлар 15:6-7, Ишаё 1:1, 6:1
Исроил шоҳи Закариё		4 Шоҳлар 15:8-12
Исроил шоҳи Шаллум		4 Шоҳлар 15:13-16
Исроил шоҳи Манахим		4 Шоҳлар 15:17-22
Исроил шоҳи Пакахиё		4 Шоҳлар 15:23-26
Исроил шоҳи Пеках		4 Шоҳлар 15:27-31
Яҳудо шоҳи Йўтом	27:1-9	4 Шоҳлар 15:32-38
Яҳудо шоҳи Охоз	28:1-27	4 Шоҳлар 16:1-20, Ишаё 14:28

Парчанинг асосий мавзуси	2 Солномалар	Ўхшаш парчалар манзиллари
Яҳудо шоҳи Ҳизқиё	29:1-31:21	4 Шоҳлар 18:1-8
Исроилнинг охирги шоҳи Хўшея		4 Шоҳлар 17:1-2
Самариянинг мағлубияти		4 Шоҳлар 17:3-41, 18:9-12
Оссурия қўшини Қуддусга таҳдид солади	32:1-19	4 Шоҳлар 18:13-35, Ишаё 20:1, 21:16, 36:1-20
Ҳизқиё Ишаё пайғамбардан маслаҳат сўрайди		4 Шоҳлар 19:1-13, Ишаё 37:1-13
Ҳизқиёнинг ибодати	32:20	4 Шоҳлар 19:14-19, Ишаё 37:14-20
Оссуриянинг мағлубияти	32:21-23	4 Шоҳлар 19:20-37, Ишаё 37:21-38
Ҳизқиёнинг хасталиги	32:24-30	4 Шоҳлар 20:1-11, Ишаё 38:1-20
Бобилдан келган элчилар	32:31-33	4 Шоҳлар 20:12-21, Ишаё 39:1-8
Яҳудо шоҳи Манаше	33:1-20	4 Шоҳлар 21:1-18
Яҳудо шоҳи Омон	33:21-25	4 Шоҳлар 21:19-26
Яҳудо шоҳи Йўшиё	34:1-7	4 Шоҳлар 22:1-2
Қонун китоби топилади	34:8-28	4 Шоҳлар 22:3-20
Шоҳ Йўшиёнинг ислоҳотлари	34:29-35:19	4 Шоҳлар 23:1-27
Йўшиё ҳукмронлигининг сўнгги даври	35:20-36:1	4 Шоҳлар 23:28-30
Яҳудо шоҳи Ёҳухоз	36:2-4	4 Шоҳлар 23:31-34
Яҳудо шоҳи Ёҳайиқим	36:5-8	4 Шоҳлар 23:35-24:7
Яҳудо шоҳи Ёҳайихин	36:9-10	4 Шоҳлар 24:8-17, Еремиё 52:28
Яҳудо шоҳи Зидқиё	36:11-21	4 Шоҳлар 24:18-25:30, Еремиё 39:1-10, 52:1-34
Шоҳ Куруш Яҳудо халқига озодлик беради	36:22-23	Эзра 1:1-3

Эски Аҳддаги бошқа китоблар

Парчанинг асосий мавзуси	Ўхшаш парчалар манзиллари
Сургундан қайтиб келганлар-нинг рўйхати	Эзра 2:1-70, Нахимиё 7:6-73
Икки санодаги ўхшаш парча	Забур 13:1-7, Забур 52:2-7
Икки санодаги ўхшаш парча	Забур 30:2-5, Забур 70:1-3
Икки санодаги ўхшаш парча	Забур 39:14-18, Забур 69:2-6
Икки санодаги ўхшаш парча	Забур 56:8-12, Забур 107:2-6
Икки санодаги ўхшаш парча	Забур 59:7-14, Забур 107:7-14
Икки санодаги ўхшаш парча	Забур 113:12-19, Забур 134:15-20
Эгамизнинг уйи турган тоғ	Ишаё 2:2-4, Михо 4:1-3
Мўаб шарманда бўлади	Ишаё 16:6-12, Еремиё 48:29-36
Худога ҳамду сано қўшиғи	Еремиё 10:12-16, Еремиё 51:15-19
Эгамиз Эдом халқини жазолайди	Еремиё 49:9-10, 14-16, Ободиё 1:1-6

ЯНГИ АҲДДАГИ ЎХШАШ ПАРЧАЛАР ЖАДВАЛИ

Хушхабарлар

Парчанинг асосий мавзуси	Матто	Марк	Луқо	Юҳанно
Луқо Хушхабарининг муқаддимаси			1:1-4	
Юҳанно Хушхабарининг муқаддимаси				1:1-18
Исо Масиҳнинг насл–насаби	1:1-17		3:23-38	
Яҳё чўмдирувчининг туғилиши ҳақида каромат			1:5-25	
Исо Масиҳнинг туғилиши ҳақида каромат			1:26-38	
Марям Элисабетни йўқлаб боради			1:39-56	
Яҳё чўмдирувчининг туғилиши, Закариёнинг башорати			1:57-80	
Исо Масиҳнинг туғилиши	1:18-25		2:1-7	
Чўпонлар ва фаришталар			2:8-20	
Исога исм қўйилади, Шимўннинг ҳамду саноси			2:21-39	
Шарқдан келган мунажжимлар	2:1-12			
Юсуф Марям ва чақалоқни Мисрга олиб қочади	2:13-18			
Юсуф оиласи билан Мисрдан қайтиб келади	2:19-23			
Ўсмир Исо Маъбадда			2:40-52	
Яҳё чўмдирувчининг ваъзи	3:1-12	1:1-8	3:1-18	
Исо сувга чўмдирилади	3:13-17	1:9-11	3:21-22	
Исони иблис васвасага солади	4:1-11	1:12-13	4:1-13	
Яҳё чўмдирувчининг гувоҳлиги				1:19-34
Исонинг дастлабки шогирдлари				1:35-51
Исонинг дастлабки мўъжизаси				2:1-12
Исо савдогарларни Маъбаддан қувади				2:13-25
Исо ва Никодим				3:1-21
Яҳё чўмдирувчи Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик беради				3:22-36

Парчанинг асосий мавзуси	Матто	Марк	Луқо	Юҳанно
Исо Жалилага қайтади	4:12	1:14	3:19-20, 4:14	4:1-4, 43-45
Исо ва Самариялик аёл				4:5-42
Исо таълимотининг моҳияти	4:17	1:14	4:14-15	
Исо амалдорнинг ўғлини соғайтиради				4:46-54
Исо Кафарнаҳум шаҳрига бориб ўрнашади	4:13-16			
Исонинг дастлабки шогирдлари	4:18-22	1:16-20	5:1-11	
Жинга чалинган одам		1:21-28	4:31-37	
Исо кўп одамларга шифо беради	8:14-17	1:29-34	4:38-41	
Тери касаллигига чалинган одамни Исо соғайтиради	8:2-4	1:40-45	5:12-16	
Исо шолни соғайтиради	9:2-8	2:1-12	5:17-26	
Исо Маттони чақиради, рўза тутиш ҳақида	9:9-17	2:13-22	5:27-39	
Исо Шаббат кунида шолни соғайтиради				5:1-47
Шаббат кунига риоя қилиш ҳақида	12:1-8	2:23-28	6:1-5	
Исо Шаббат кунида қўли шол одамни соғайтиради	12:9-14	3:1-6	6:6-11	
Исо Жалила кўли бўйида бир талай оломонга шифо беради	12:15-21	3:7-12		
Исо ўн иккита шогирдини танлайди	10:2-4	3:13-19	6:12-16	
Ҳақиқий бахтиёрлик	5:1-12		6:17-26	
Туз ва нур ҳақида	5:13-16			
Мусонинг қонуни ҳақида	5:17-48		6:27-36	
Хайр–садақа, ибодат ва рўза ҳақида	6:1-18		(11:2-4)	
Самовий хазина ва тирикчилик ташвишлари ҳақида	6:19-34			
Бошқаларни ҳукм қилманг	7:1-6		6:37-42	
Худодан сўранглар	7:7-11		(11:9-13)	
Бошқаларга яхшилик қилинг	7:12		6:31	
Нажот эшиги тордир	7:13-23		6:43-45	
Доно ва аҳмоқ бинокор	7:24-29		6:46-49	
Тери касаллигига чалинган одамни Исо соғайтиради	8:1-13		7:1-10	

Парчанинг асосий мавзуси	Матто	Марк	Луқо	Юҳанно
Исо бева аёлнинг ўғлини тирилтиради			7:11-17	
Исо Масиҳ ва Яҳё чўмдирувчи	11:2-30		7:18-35	
Гуноҳкор аёл Исонинг оёқларига атир мой суртади			7:36-50	
Исога эргашган аёллар			8:1-3	
Исо ва шайтон	12:22-37	3:19-30	11:14-23	
Юнус пайғамбарнинг аломати	12:38-45		11:24-36	
Исонинг онаси ва укалари	12:46-50	3:31-35	8:19-21	
Исо фарзийларни ва Таврот тафсирчиларини айблайди			11:37-54	
Исо шогирдларига сабоқ беради			12:1-59	
Тавба ва ҳалокат, ҳосилсиз анжир дарахти			13:1-9	
Уруғ сепувчи ҳақида масал	13:1-9	4:1-9	8:4-8	
Масалларнинг мақсади	13:10-17	4:10-12, 21-25	8:9-10, 16-18	
Уруғ сепувчи ҳақидаги масалнинг маъноси	13:18-23	4:13-20	8:11-15	
Униб чиққан уруғ ҳақида масал		4:26-29		
Бегона ўт ҳақида масал	13:24-30			
Хантал уруғи, хамиртуруш ҳақида масаллар	13:31-35	4:30-34		
Бегона ўт ҳақидаги масалнинг маъноси	13:36-43			
Яширилган хазина, қимматбаҳо марварид, тўр ҳақида масаллар	13:44-53			
Исо бўронни тинчлантиради	8:18, 23-27	4:35-41	8:22-25	
Исога эргашиш шартлари	8:19-22			
Жинга чалинган икки одамга Исо шифо беради	8:28-9:1	5:1-21	8:26-40	
Тирилган қиз, соғайган аёл	9:18-26	5:22-43	8:41-56	
Исо иккита кўр одамга ва соқов одамга шифо беради	9:27-34			
Исо Ўз юртида рад этилади	13:54-58	6:1-6	4:16-31	
Исо ўн икки ҳаворийни хизматга юборади	9:35-10:42	6:6-13	9:1-6	

Парчанинг асосий мавзуси	Матто	Марк	Луқо	Юҳанно
Яҳё чўмдирувчининг ўлими	14:1-12	6:14-29	9:7-9	
Исо 5000 кишини тўйдиради	14:13-21	6:30-44	9:10-17	6:1-14
Исо сув устида юради	14:22-36	6:45-56		6:15-21
Исо ҳаёт нони, Унинг абадий ҳаёт бахш этувчи сўзлари				6:22-71
Диний урф–одатлар ва Худонинг амри	15:1-20	7:1-23		
Ғайрияҳудий аёлнинг ишончи	15:21-28	7:24-30		
Исо кўп одамларга шифо беради, 4000 кишини тўйдиради	15:29-38	7:31-8:9		
Фарзийлар ва саддуқийлар Исодан аломат сўрашади	15:39-16:12	8:10-26		
Бутрус Масиҳни тан олади	16:13-20	8:27-30	9:18-21	
Исо Ўз ўлими ҳақида гапиради	16:21-28	8:31-9:1	9:22-27	
Исонинг қиёфаси ўзгаради	17:1-13	9:2-13	9:28-36	
Жинга чалинган болага Исо шифо беради	17:14-21	9:14-29	9:37-43	
Исо яна Ўз ўлими ҳақида гапиради	17:22-23	9:30-32	9:43-45	
Маъбад солиғи	17:24-27			
Худо олдида ким буюк?	18:1-14	9:33-50	9:46-50	
Гуноҳ қилган биродарга муносабат	18:15-35			
Исо ва укалари				7:1-9
Исо Қуддусга боради			9:51-56	7:10
Исога эргашиш шартлари			9:57-62	
Исо Қуддусда Чайла байрамида				7:11-52
Исо фоҳиша аёлни кечиради				8:1-11
Исо Масиҳ — оламнинг нури				8:12-59
Исо туғма кўрга шифо беради				9:1-41
Исо — яхши чўпон				10:1-21
Шогирдларнинг воизлик сафари			10:1-24	
Раҳмдил Самариялик ҳақида масал			10:25-37	
Исо Марям билан Мартанинг уйида			10:38-42	
Ибодат ҳақида			11:1-13	
Шаббат куни Исо букри аёлга шифо беради, хантал уруғи ҳақида масал			13:10-21	
Исони рад қилишади				10:22-42

Парчанинг асосий мавзуси	Матто	Марк	Луқо	Юҳанно
Нажот эшиги тордир			13:22-35	
Исо Шаббат куни хастага шифо беради, тўкин зиёфат ҳақида масал			14:1-24	
Шогирдликнинг қиймати			14:25-35	
Адашган қўй ҳақида масал			15:1-7	
Йўқолган танга ҳақида масал			15:8-10	
Дарбадар ўғил ҳақида масал			15:11-32	
Пишиқ иш бошқарувчи ҳақида масал			16:1-18	
Бой ва Лазар ҳақида масал			16:19-31	
Гуноҳ ҳақида			17:1-10	
Лазарнинг ўлими ва тирилиши				11:1-44
Исони ўлдириш режаси				11:45-57
Исо ўн кишига шифо беради			17:11-19	
Худонинг Шоҳлиги			17:20-37	
Бева аёл ва адолатсиз қози ҳақида масал			18:1-8	
Фарзий ва солиқчи ҳақида масал			18:9-14	
Никоҳ ва ажралиш ҳақида	19:1-12	10:1-12		
Исо болаларни дуо қилади	19:13-15	10:13-16	18:15-17	
Бойлик ва абадий ҳаёт	19:16-30	10:17-31	18:18-30	
Исо Ўз ўлими тўғрисида учинчи марта гапиради	20:17-19	10:32-34	18:31-34	
Ёқуб билан Юҳаннонинг тилаги	20:20-28	10:35-45		
Исо икки кўрга шифо беради	20:29-34	10:46-52	18:35-43	
Исо ва Заккай			19:1-10	
Ўнта хизматкор ҳақида масал			19:11-28	
Исо Қуддусга тантанали киради	21:1-11	11:1-11	19:29-44	12:12-19
Қуриб қолган анжир дарахти	21:18-22	11:12-14, 20-26		
Исо сотувчиларни Маъбаддан қувади	21:12-17	11:15-19	19:45-48	
Исонинг ҳокимияти ҳақида савол	21:23-27	11:27-33	20:1-8	
Икки ўғил ҳақида масал	21:28-32			
Ёвуз боғбонлар ҳақида масал	21:33-46	12:1-12	20:9-19	
Тўй зиёфати ҳақида масал	22:1-14			

Парчанинг асосий мавзуси	Матто	Марк	Луқо	Юҳанно
Солиқ тўлаш ҳақида савол	22:15-22	12:13-17	20:20-26	
Тирилиш ҳақида савол	22:23-33	12:18-27	20:27-38	
Энг буюк амр	22:34-40	12:28-34	20:39-40	
Масиҳ кимнинг ўғли?	22:41-46	12:35-37	20:41-44	
Сохта ва чин тақводорлик	23:1-39	12:38-40	20:45-47	
Бева аёлнинг хайр–эҳсони		12:41-44	21:1-4	
Исо Ўз ўлими ҳақида гапиради				12:20-36
Халқнинг ўжарлиги ва имонсизлиги				12:37-50
Исо охирзамон ҳақида гапиради	24:1-51	13:1-37	21:5-38	
Келиннинг ўнта дугонаси ҳақида масал	25:1-13			
Учта хизматкор ҳақида масал	25:14-30			
Қиёмат–қойим сўроғи	25:31-46			
Исони ўлдириш режаси	26:1-5, 14-16	14:1-2, 10-11	22:1-6	
Исога атир мой қуйган аёл	26:6-13	14:3-9		12:1-11
Қутлуғ зиёфатга тайёргарчилик	26:17-20	14:12-17	22:7-14	
Исо Ўз шогирдларининг оёқларини ювади				13:1-17
Исога хиёнат	26:21-25	14:18-21	22:21-23	13:18-30
Қутлуғ зиёфат[1]	26:26-30	14:22-26	22:15-20	
Бутруснинг Исодан тониши ҳақида каромат	26:30-35	14:27-31	22:24-38	13:31-38, 16:32
Исо шогирдларини юпатиб айтган сўзлар				14:1-16:33
Исо Ўз шогирдлари учун ибодат қилади				17:1-26
Исонинг боғдаги ибодати	26:36-46	14:32-42	22:39-46	18:1
Исо ҳибсга олинади	26:47-56	14:43-52	22:47-53	18:2-11
Исо олий руҳоний Ханан олдида				18:12-14, 19-23
Исо яҳудийларнинг Олий кенгаши олдида	26:57-68	14:53-65	22:54, 63-65	18:24
Бутрус Исодан тонади	26:69-75	14:66-72	22:55-62	18:15-18, 25-27

[1] Яна 1 Коринфликлар 11:23-26 га қаранг.

Парчанинг асосий мавзуси	Матто	Марк	Луқо	Юҳанно
Исо олий кенгаш томонидан ҳукм қилинади	27:1-2	15:1	22:66-71	18:28
Хоин Яҳудонинг ҳалокати[2]	27:3-10			
Исо Пилат ҳузурида	27:11-14	15:2-5	23:2-7	18:28-38
Исо Ҳирод олдида			23:8-12	
Исо ўлимга ҳукм қилинади	27:15-31	15:6-20	23:13-25	19:1-16
Исо хочга михланади	27:32-44	15:21-32	23:26-43	19:17-27
Исо жон беради	27:45-56	15:33-41	23:44-49	19:28-37
Исо дафн қилинади	27:57-66	15:42-47	23:50-56	19:38-42
Исо тирилади	28:1-8	16:1-8	24:1-12	20:1-9
Исо икки аёлга зоҳир бўлади	28:9-10	16:9-11		20:10-18
Соқчиларнинг хабари	28:11-15			
Исо Эммаус йўлида икки шогирдига зоҳир бўлади		16:12-13	24:13-35	
Исо шогирдларига зоҳир бўлади[3]		16:14-18	24:36-49	20:19-25
Исо Тўмага ва бошқа шогирдларига зоҳир бўлади				20:26-31
Исо кўл бўйида зоҳир бўлади				21:1-25
Исо Жалиладаги тоғда зоҳир бўлади	28:16-20			
Исо осмонга кўтарилади[4]		16:19-20	24:50-53	

[2] Яна Ҳаворийлар 1:18-19 га қаранг.
[3] Яна Ҳаворийлар 1:4-8 га қаранг.
[4] Яна Ҳаворийлар 1:9-12 га қаранг.

Ҳаворийлар

Парчанинг асосий мавзуси	Ўхшаш парчалар манзиллари
Шоул имонга келади	Ҳаворийлар 9:1-19, 22:3-16, 26:9-18, 1 Коринфликлар 15:8



Эски Аҳднинг қўлёзмаларидан “Ленинград Кодекси”
Юнус пайғамбар китобидан олинган бу ибронийча қўлёзма
тахминан милодий 1000 йилларда кўчирилган

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru



Эски Аҳднинг “Қумрон қўлёзмалари”дан бири
Ишаё пайғамбар китобидан олинган бу ибронийча қўлёзма тахминан милоддан олдинги 100 йилларда кўчирилган



Эски Аҳднинг “Қадимий юнонча таржима” қўлёзмаларидан парча
Ёшуа китобидан олинган бу юнонча қўлёзма
тахминан милодий 200 йилларда кўчирилган



Янги Аҳднинг қўлёзмаларидан “Папирус 52” деб аталган парча
Юҳанно баён этган муқаддас Хушхабардан олинган бу юнонча қўлёзма тахминан милодий 125 йилларда кўчирилган



Янги Аҳднинг қўлёзмаларидан “Кодекс Синайтикус”
Матто баён этган муқаддас Хушхабардан олинган бу юнонча қўлёзма тахминан милодий 340 йилларда кўчирилган



© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2016, 2018, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru


Исроил халқи Мисрдан чиққандан кейин босиб ўтган йўл
Ўрта ер денгизи
Нил дельтаси
Рамзес
Зўван
ГЎШЕН
Питом
Сухот
Буюк аччиқ кўл
МИСР
Он
Нуф
Нил дарёси
Шур саҳроси
Маро
Илим
Қизил денгиз
Син саҳроси
Синай ярим ороли
Синай тоғи
Ғазо
КАНЪОН
Иордан дарёси
ОММОН
Ерихо
Хашбон
Наво тоғи
Ўлик денгиз
МЎАБ
ЭДОМ
Зин чўли
Кадеш–Барна
Пунон
Порон чўли
Ётбото
Эзиўн–Гебер
Хазерўт
Ақаба қўлтиғи
МИДИЁН
Тахмин қилинган йўл
Тахмин қилинган бошқа йўл
Асосий тижорат йўли
0
50
100
150
200
километр


Канъон ва унинг атрофидаги ерларнинг табиий харитаси
0 20 40 60 80 100
километр
Сидон
Дамашқ
Литани дарёси
Хермон тоғи
Тир
Аккў текислиги
ЖАЛИЛА
Жалила кўли
Кармил тоғи
Йизрил водийси
Товур тоғи
Ёрмуқ дарёси
шарқий ясси тепалик
Гилбова тоғи
Шарон текислиги
Ўрта ер денгизи
Эбал тоғи
Иордан дарёси
Гаризим тоғи
Явоқ дарёси
Эфрайим қирлари
Наво тоғи
Қуддус
Мидаво ясси тепалиги
Яҳудо кирлари
Яҳудо чўли
Ўлик денгиз
Яҳудо кир этаклари
Арнон сойлиги
Филистия текислиги
Бершеба
Зарад сойлиги
Сеир тоғлари
Нагав чўли
Қадимий даврдаги ўсимлик дунёси
Ўрмонлар
Бутазорлар ва яйловлар
Воҳалар
Адирлар ва чўллар
Жалила кўли
Иордан дарёси
Ўлик денгиз
Йиллик ёғингарчилик миқдори
1250 мм
1000 мм
750 мм
600 мм
500 мм
250 мм
125 мм
0 мм
Жалила кўли
Иордан дарёси
Ўлик денгиз
Қирли ҳудуд
Ўрта ер денгизи
денгиз сатҳи
Жалила кўли сатҳи
Ўлик денгиз сатҳи
Канъон юртининг шарқдан ғарбга кўндаланг кесими


Ўн икки қабиланинг ҳудуди
Сидон
Хермон тоғи
Тир
Дан
Хазор
Аккў
ОШЕР
НАФТАЛИ
Жалила кўли
ЗАБУЛУН
Товур тоғи
ИССАХОР
Магидў
МАНАШЕ
Эбал тоғи
Гаризим тоғи
Шакам
Иордан дарёси
МАНАШЕ
Ўрта ер денгизи
Шилў
ЭФРАЙИМ
ГАД
ДАН
Шитим
БЕНЯМИН
Наво тоғи
Қуддус
РУБЕН
ЯХУДО
Ўлик денгиз
Хеврон
Бершеба
МЎАБ
ШИМЎН
ЭДОМ
0 20 40 60 80 100
километр


Қуддус
шоҳлар даврида
Ханонил минораси
Довуд қалъаси
Сулаймон қурдирган девор
Бошқа шоҳлар қурдирган девор
қурбонгоҳ
Маъбад
сарой
Қидрон сойлиги
Сойлик
дарвозаси
Гихўн
булоғи
Довуд
қалъаси
Силоам
ҳовузи
Хиннум сойлиги
0
125
250
500
метр
Эн–Рўғол булоғи


Исроил шоҳлиги
Шоул, Довуд ва Сулаймон даврида
Фурот дарёси
Тифсах
Хомат
ФИНИКИЯ
Сидон
Дамашқ
Ўрта ер денгизи
Тир
Дан
Хазор
Дўр
Гиладдаги Рамўт
Ашдод
Қуддус
Рабба
ФИЛИСТЛАР ЮРТИ
Байтлаҳм
Ғазо
Хеврон
Ўлик денгиз
Бершеба
МЎАБ
Кадеш-Барна
ЭДОМ
Эзйўн-Гебер
Шоул даврида
Довуд даврида
Сулаймон даврида
0 50 100 150 200 250
километр
Қизил денгиз


Исроил ва Яҳудо шоҳликлари
Исроил ҳудуди (шимолий шоҳлик)
Яҳудо ҳудуди (жанубий шоҳлик)
Сидон
Дамашқ
ОРАМ
ФИНИКИЯ
Дан
Тир
Хазор
Аккў
Жалила кўли
Дўр
Магидў
Ўрта ер денгизи
Байт-Шан
Гиладдаги Рамўт
ИСРОИЛ
Иордан дарёси
Самария
Шакам
ОММОН
Шилў
Рабба
Ашдод
Байтил
Ерихо
Қуддус
Байтлаҳм
Ашқалон
ЯҲУДО
Гат
Ғазо
Хеврон
Ўлик денгиз
Бершеба
МЎАБ
ФИЛИСТЛАР ЮРТИ
ЭДОМ
Кадеш-Барна
0
20
40
60
80
100
километр


Оссурия шоҳлиги
Оссурия шоҳлигининг ҳудуди
(тахминан милоддан олдинги 650 йиллар)
0
125
250
500
километр
Каспий денгизи
МИДИЯ
ОССУРИЯ
ЭЛАМ
Форс қўлтиғи
Арабистон саҳроси
Ўрта ер денгизи
Қизил денгиз
МИСР
Нил дарёси
Фурот дарёси
Дажла дарёси
Экбатана
Шушан
Бобил
Найнаво
Ошур
Хорон
Кархамиш
Алеппо
Хомат
Ривло
Дамашқ
Сидон
Тир
Самария
Қудус
Элет
Танис
Нуф


0 100 200 300
километр
Каспий денгизи
Кархамиш
Хорон
Гозан
ОССУРИЯ
Найнаво
МИДИЯ
Экбатана
КИПР
ОРАМ
Алеппо
Хомат
Ошур
Дажла дарёси
Фурот дарёси
Загрос тоғ тизмаси
Ривло
Сидон
Дамашқ
Ўрта ер денгизи
Тир
Хермон тоғи
Иордан дарёси
Бобил
Шушан
Самария
ОММОН
Рабба
БОБИЛ
ЭЛАМ
Ғазо
Қуддус
ЯҲУДО
МЎАБ
ЭДОМ
Арабистон саҳроси
Кавор дарёси
Ур
Нуф
Элат
Синай ярим ороли
Форс қўлтиғи
МИСР
Нил дарёси
Қизил денгиз
Нў (Нў-Омон)
Бобил шоҳлиги
Яҳудо халқи сургун қилинган даврда
4 Шоҳлар 24:10-16, 25:8-12
Еремиё 52:28-34
Ҳизқиёл 3:15
Яҳудо халқи сургунликка олиб кетилган йўл
Бобил шоҳлигининг ҳудуди


Форс шоҳлиги
Кора денгиз
Каспий денгизи
Қизил денгиз
Ўрта ер денгизи
Арабистон денгизи
Форс қўлтиғи
Арабистон сахроси
Кавказ тоғ тизмаси
Ҳиндукуш тоғ тизмаси
Сирдарё
Амударё
Нил дарёси
Дажла дарёси
Фурот дарёси
Хинд дарёси
Орол денгизи
ХОРАЗМ
СҮҒДИЁНА
БАКТРИЯ
ПАРФИЯ
МИДИЯ
ЭЛАМ
БОБИЛ
ПЕРСИС
МИСР
ЛИВИЯ
КРИТ
КИПР
МАКЕДОНИЯ
Марв
Шушан
Персеполь
Экбатана
Ур
Бобил
Найнаво
Ошур
Хорон
Дамашқ
Хомат
Сидон
Тир
Қудус
Нуф
Нӯ (Нӯ–Омон)
Византий (ҳозирги Истамбул)
Эфес
Афина
Арарат тоғи
0 100 200 300 400 500
километр
Мухим маъмурий марказ
Форс шоҳларининг қалъаси
ПЕРСИС Вилоят номи
Шоҳлар йўли
Йўл
Форс шоҳлигининг ҳудуди


Искандар Зулқарнайн шоҳлиги
Жанг
Қамал
Искандар юрган йўл
Искандар Зулқарнайн шоҳлигининг ҳудуди
0 100 200 300 400 500 километр
Искандар Зулқарнайн оламдан ўтади (мил. ол. 323 йил)
ХИНДИСТОН
Арабистон денгизи
Хинд дарёси
Хайбар довони
Кандахор
Кобул
Балх
БАКТРИЯ
Хиндукуш тоғ тизмаси
Хўжанд
СЎҒДИЁНА
Мароқанда (ҳозирги Самарқанд)
Бухоро
Марв
Хирот
ПАРФИЯ
МАССАГЕТЛАР ЮРТИ
Сирдарё
Амударё
ХОРАЗМ
Орол денгизи
Каспий денгизи
Кавказ тоғ тизмаси
Арарат тоғи
МИДИЯ
Экбатана
Шушан
Персеполь
ПЕРСИС
Форс кўлтиғи
БОБИЛ
Ур
Бобил
Фурот дарёси
Дажла дарёси
Найнаво
Хорон
Арабистон сахроси
Кизил денгиз
Нў (Нў-Омон)
Нил дарёси
МИСР
Нуф
Искандария
Ғазо
Куддус
Самария
Тир
ФИНИКИЯ
Дамашқ
СУРИЯ
Алеппо
КИПР
Анқара
Византий (ҳозирги Истамбул)
АСИЯ
Эфес
Кора денгиз
КРИТ
Ўрта ер денгизи
Афина
МАКЕДОНИЯ
Пелла
ИТАЛИЯ


Рим империяси
Каспий денгизи
Кора денгиз
Кизил денгиз
Ўрта ер денгизи
Атлантика океани
Дунай дарёси
Рейн дарёси
Дажла дарёси
Фурот дарёси
Нил дарёси
ОССУРИЯ
МЕСОПОТАМИЯ
ВИТИНИЯ ВА ПОНТУС
КАППАДОКИЯ
ГАЛАТИЯ
КИЛИКИЯ
СУРИЯ
ЯХУДИЯ
НАБАТЕЯ
АСИЯ
ЛИКИЯ ВА ПАМФИЛИЯ
КИПР
МИСР
МАКЕДОНИЯ
АХАЯ
КРИТ
ДАЛМАТИЯ
ИТАЛИЯ
АФРИКА
Салоника
Коринф
Афина
Антиохия
Кудус
Искандария
Киринея
Рим
Сиракуз
Карфаген
Рим империясининг ҳудуди (милодий 14 йил)
Римга карам бўлган юрт
Вилоят чегараси
Рим империясининг чегараси (милодий 116 йил)
Рим йўллари
0
250
500 километр


Фаластин ва унинг атрофидаги ерлар Исо Масиҳ даврида
Сидон
ФИНИКИЯ
Зорафат
Хермон тоғи
Тир
Филип Қайсарияси
ГАУЛАНИТИС
ЖАЛИЛА
Кафарнаҳум
ТРАХОНИТИС
Байтсайда
Каъна
Жалила кўли
Кармил тоғи
Тиберияс
Носира
Ўрта ер денгизи
Гадара
Скифополис
ДЕКАПОЛИС
Қайсария
САМАРИЯ
Иордан дарёси
Гераса
Гаризим тоғи
Сихар
Ариматея
Эммаус
Ёбнах
Ерихо
ПЕРЕЯ
Азотус
Қуддус
Мидаво
Байтлаҳм
Кумрон
Ашқалон
ЯҲУДИЯ
Махайрус
Хеврон
Ғазо
Ўлик денгиз
Масада
Рафия
Бершеба
НАБАТЕЯ
Декаполис ҳудуди
Филип ҳукмронлиги остидаги Рим вилояти
Ҳирод Антипас ҳукмронлиги остидаги Рим вилояти
Пўнтий Пилат ҳукмронлиги остидаги Рим вилояти
0 20 40 60 80 100
километр


Қуддус
Исо Масиҳ даврида
Девор
Асосий кўчалар
Йўллар
Қайсарияга борадиган йўл
Ерихога борадиган йўл
Байтзада ҳовузи
Яффага борадиган йўл
Антония қалъаси
ҳовуз
Гўлгота
Гетсемания
Маъбад
ҳовуз
қалъа
Зайтун тоғи
Ҳироднинг саройи
Ҳирод Антипаснинг саройи
Пишлоқчилар сойлиги
Қидрон сойлиги
олий руҳоний уйи
Исо Масиҳ сўнгги Қутлуғ зиёфатни шу ерда ўтказган бўлиши мумкин
Байтанияга борадиган йўл
Силоам ҳовузи
кичик ҳовуз
сув қувури
Ўлик денгизга борадиган йўл
Хиннум сойлиги
0
125
250
500
метр


Писидиядаги
Антиохия
Икония
Листра
Перга
Дарба
Тарсус
КАППАДОКИЯ
КРИТ
КИПР
Антиохия
Саламис
Пафос
Павлуснинг Хушхабар
ёйиш мақсадида қилган
биринчи сафари
Ўрта ер денгизи
0 125 250 500
километр
Қуддус


МАКЕДОНИЯ
Филиппи
Верия
Салоника
Амфиполис
Троас
Коринф
Афина
Эфес
Писидиядаги
Антиохия
Икония
Листра
Перга
Дарба
КАППАДОКИЯ
КРИТ
Тарсус
Антиохия
КИПР
Пафос
Саламис
Павлуснинг Хушхабар
ёйиш мақсадида қилган
иккинчи сафари
Ўрта ер денгизи
0 125 250 500
километр
Қайсария
Қуддус


МАКЕДОНИЯ
Амфиполис
Филиппи
Верия
Неаполис
Салоника
Аполлония
Троас
АХАЯ
Ассас
АСИЯ
Митилина
Пергамон
Коринф
Смирна
Писидиядаги
Антиохия
Эфес
Милейтус
Икония
Листра
Родос
Патара
Дарба
Тарсус
Антиохия
Павлуснинг Хушхабар
ёйиш мақсадида қилган
учинчи сафари
Ўрта ер денгизи
Тир
Птолемай
Қайсария
Қуддус
Искандария
0 125 250 500
километр


Рим
Уч меҳмонхона
Путеол
ИТАЛИЯ
ЛИКИЯ
СУРИЯ
Регийум
Мура
Книдус
РОДОС
КИПР
Сидон
Суракуз
КРИТ
МАЛЬТА
Қайсария
Гўзал бандаргоҳлар
Қуддус
Павлуснинг Римга
олиб кетилиши
Ўрта ер денгизи
0 125 250 500
километр

ТЎҒРИ ЙЎЛ НИМА?
ҚИЁМАТ КУНИГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАЙЁР БЎЛАМИЗ?

Кириш

Бу муҳим саволларга Худо қандай жавоб бергани Муқаддас битикларда аён қилинган. Мазкур бўлимда мана шу мавзу ҳақидаги оятлардан чиқарилган хулосалар келтирилган. Оятлардаги руҳий ҳақиқатни ўқиб, улар борасида мулоҳаза қилинг. Шунда, Худо аён қилган, нажотга етаклайдиган тўғри йўлни ва яқинлашиб келаётган қиёмат кунига қандай тайёрланишни аниқ тушуниб оласиз. Умид қиламизки, сиз Муқаддас битиклар орқали Худонинг овозини эшитасиз ва ўрганганларингизни бошқалар билан ўртоқлашасиз.

Сулаймоннинг ҳикматлари 4:18-19, 12:28

Солиҳнинг йўли тонгга ўхшайди, кун чиққунча тонг ёришаверади. Фосиқнинг йўли эса зулмат кабидир, нимага қоқилиб кетишини билмайди. Солиҳлик йўли ҳаётга етаклайди, бу йўлда ўлим йўқдир.

Матто 7:13-14

Исо Масиҳ деди: “Тор эшикдан киринглар! Чунки ҳалокатга олиб борадиган дарвоза энли, йўли ҳам кенгдир. Бу йўлдан юраётганлар кўп. Ҳаётга олиб борадиган эшик эса жуда тор, йўли энсиздир. Бу йўлни топадиганлар оз.”

МУНДАРИЖА

ХУДО МУҚАДДАСДИР
ИНСОНЛАР ХУДОНИНГ ЙЎЛИДАН ОЗГАН
ИНСОНЛАР ХУДО ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ
ХУДО МЕҲР–МУҲАББАТЛИДИР
ХУДО НАЖОТКОРИМИЗДИР
ХУДО ҲОЗИРЛАГАН ЙЎЛ
ХУДО КЕЧИРУВЧИДИР
ҲАММАМИЗ ИМОН КЕЛТИРИШИМИЗ КЕРАК
ХУДО САДОҚАТЛИДИР
ХУДО ЎЗ РУҲИНИ БАХШ ЭТАДИ
БИЗ ХУДОНИНГ АЗИЗ ХАЛҚИМИЗ
БИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАСМИЗ
СИЗ ТАЙЁРМИСИЗ?

ХУДО МУҚАДДАСДИР

Худо муқаддасдир ва фақатгина муқаддас бўлганлар Унинг ҳузурига кириб, яшай олади.

Ваҳий 4:8

Самодаги тўртта жонли мавжудот кечаю кундуз тинмай шундай сўзларни такрорлар эдилар:

“Муқаддасдир, муқаддасдир,
Муқаддасдир Қодир Худо — Эгамиз.
У бор бўлган, ҳозир ҳам бор,
Келажакда ҳам бор бўлар!”

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

1 Бутрус 1:14-16

Худога итоаткор фарзандлар бўлинглар, олдинги ғафлат пайтида сизларни қамраган эҳтиросларга қул бўлиб қолманглар. Аксинча, бутун юриш–туришингизда муқаддас бўлинглар, зеро, сизларни даъват этган Худо муқаддасдир. Ахир, Худонинг Ўзи: “Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман”, деб айтган.

Ибронийлар 12:14

Ҳамма билан тинч–тотув яшашга ҳаракат қилинглар. Ҳалол ҳаёт кечиришга тиришинглар, акс ҳолда, Эгамизни кўра олмайсизлар.

1 Юҳанно 1:5-6

Биз Исо Масиҳдан эшитиб, сизларга етказаётган Хушхабаримиз шундан иборат: Худо — нур, Унда ҳеч қандай зулмат йўқ. Агар биз Худо билан яшаяпмиз деб туриб, олдингидай зулматда яшасак, ёлғон гапириб, ҳақиқатга хилоф иш қилган бўламиз.

Яна қаранг:

Забур 1:1-6, 14:1-5 Тўғри йўлдан юрадиган инсонлар — ким?

ИНСОНЛАР ХУДОНИНГ ЙЎЛИДАН ОЗГАН

Ҳаммамиз Худонинг қонунларини бузиб, гуноҳ қилганмиз, тўғри йўлдан озганмиз.

Римликлар 3:10-12

Ахир, Муқаддас битикларда қуйидагидай ёзилган–ку: “Ҳеч бир солиҳ кимса йўқдир, ҳатто бironта ҳам йўқ! Бironта ҳам идрокли зот йўқ, ҳеч ким Худога юз бурмайди. Ҳаммаси йўлдан озган, бирдай бузилган, яхшилик қилувчи бир кимса йўқдир, ҳатто бironта ҳам йўқ!”[1]

Римликлар 3:23

Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир.

Яна қаранг:

Матто 5:17-48 Исо Масиҳнинг ҳақиқий солиҳлик ҳақидаги таълимоти.

ИНСОНЛАР ХУДО ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Қиёмат кунида ҳаммамиз қилмишларимиз учун жавоб берамиз.

Ибронийлар 4:13

Бутун борлиқ Худонинг кўзи олдида яп–яланғоч ва очиқдир. Ҳеч ким ва ҳеч нарса Ундан пинҳон эмас. Биз Унга ҳисоб берамиз!

Ибронийлар 10:26-27

Агар биз ҳақиқатни билиб олгандан кейин, атайлаб гуноҳ қилишда давом этсак, бу гуноҳларимизни ҳеч қандай қурбонлик ува олмайди. Шунда қўрқув ичра Худонинг ҳукмини кутишдан бошқа иложимиз қолмайди. Оқибатда, Худонинг душманлари билан бирга ловуллаган оловда ёниш бизнинг қисматимиз бўлади.

---

[1] Забур 13:1-3 га қаранг.

Яна қаранг:

Ваҳий 20:11-15 Қиёмат куни ҳақидаги ваҳий.

ХУДО МЕҲР–МУҲАББАТЛИДИР

Худо бизни яхши кўради ва бизни кечиришга тайёр турибди.

Юҳанно 3:16

Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.

Римликлар 5:8

Биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масиҳ биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга бўлган Ўз меҳр–муҳаббатини намоён қилди.

Яна қаранг:

Луқо 15:11-32 Исо Масиҳ айтган дарбадар ўғил ҳақидаги масал.

ХУДО НАЖОТКОРИМИЗДИР

Худо гуноҳларимизнинг кечирилиши ва қиёмат ҳукмидан қутқарилишимиз учун Исо Масиҳ орқали бизга йўл очиб берди.

Юҳанно 3:17

Худо дунёни ҳукм қилиш учун эмас, балки Ўғли орқали қутқариш учун Уни дунёга юборди.

Ҳаворийлар 10:41-43

Бутрус деди: “Исо ҳаммага эмас, фақат бизга зоҳир бўлди. Чунки Худо бизни Исо ҳақида гувоҳлик беришимиз учун танлаганди. Исо тирилгандан кейин биз У билан еб–ичдик. У бизга: «Халқларга ваъз қилиб, гувоҳлик беринглар. Ўликлар ва тирикларни ҳукм қилиш учун Худо Мени тайинлаганини уларга айтинглар», — деб буюрди. Барча пайғамбарлар ҳам Исо тўғрисида гувоҳлик берган эдилар. Исога ишонган ҳар бир одамнинг гуноҳлари Унинг номи туфайли кечирилади, деб айтган эдилар.”

Юҳанно 1:29

Эртаси куни Яҳё Исонинг яқинлашиб келаётганини кўриб, шундай деди: “Ана, Худонинг Қўзиси! У дунёни гуноҳдан поклайди!”

1 Коринфликлар 15:3-4

Менга берилган энг муҳим таълимотни сизларга етказдим. Бу таълимот қуйидагичадир: Муқаддас битикларга мувофиқ, Масиҳ гуноҳларимиз учун ўлган. Кейин У дафн қилинди, учинчи куни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас битикларга мувофиқ содир бўлди.

2 Коринфликлар 5:19-21

Ҳа, Худо инсонларни гуноҳлари учун жазоламади, аксинча, Масиҳ орқали дунёни Ўзи билан яраштирди…. Биз Масиҳнинг элчиларимиз, Худо биз орқали инсонларга мурожаат этяпти. Масиҳ номидан ёлворяпмиз: сизлар ҳам Худо билан ярашинглар. Ахир, Худо бизни Масиҳ орқали оқлаш учун бегуноҳ Масиҳни гуноҳкорни жазолагандай, жазолади.

Яна қаранг:

Юҳанно 10:7-18 Исо Масиҳ — нажот эшиги ва яхши чўпон.

ХУДО ҲОЗИРЛАГАН ЙЎЛ

Қиёмат кунида ҳукмдан қутулишимизнинг фақат биргина тўғри йўли бор.

Ҳаворийлар 4:12

Нажот бошқа ҳеч кимдан келмайди. *Исо Масиҳнинг* номи — бутун оламда нажот берадиган ягона номдир.

Юҳанно 14:6

Исо уларга деди: “Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.”

Филиппиликлар 2:9-11

Худо *Исо Масиҳни* энг юқорига юксалтирди ва Унга ҳар қандай исмдан юқори исмни ато этди. Токи Исонинг олдида еру осмондаги ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин, ҳар бир тил Исо Масиҳни Раббий деб тан олиб, Отамиз Худога шараф келтирсин.

Яна қаранг:

Луқо 16:19-31 Исо Масиҳ айтган бой ва Лазар ҳақидаги масал.

ХУДО КЕЧИРУВЧИДИР

Биз гуноҳларимизни эътироф этиб, тавба қилишимиз керак, шунда Худо бизни кечиради.

1 Юҳанно 1:8-10

Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат бўлмайди. Борди–ю, гуноҳларимизни эътироф этсак, содиқ ва адолатли бўлган Худо гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ёмонликдан фориғ қилади. Агар гуноҳ қилганимиз йўқ десак, Худони ёлғончига чиқарган бўламиз.

Яна қаранг:

Луқо 18:9-14 Исо Масиҳ айтган фарзий ва солиқчи ҳақидаги масал.

ҲАММАМИЗ ИМОН КЕЛТИРИШИМИЗ КЕРАК

Раббимиз Исо Масиҳга ишонишимиз шарт. Унга ишонадиганлар тўғри йўлдадир.

Ҳаворийлар 16:30-31

Зиндонбон *Павлус ва Силасни* ташқарига олиб чиқиб: “Жаноблар, нажот топишим учун нима қилишим керак?” деб сўради. “Раббимиз Исога ишон, шунда ўзинг ва хонадон аҳлинг нажот топасизлар”, — деб жавоб беришди улар.

Римликлар 10:9-11, 13

Агар ўз оғзингиз билан Исони Раббим деб эътироф этиб, Худо Уни ўликдан тирилтирганига чин юракдан ишонсангиз, нажот топасиз. Чунки инсон қалбидан ишониб оқланади ва оғзи билан эътироф этиб нажот топади. Муқаддас битикларда ёзилгандай: “Унга ишонган ҳеч бир инсон уятга қолмайди.” … Ахир, “Раббимизга илтижо қилган ҳар бир инсон қутқарилади”, деб ёзилган–ку.

Яна қаранг:

Матто 13:44-46 Исо Масиҳ айтган яширилган хазина ва қимматбаҳо марварид ҳақидаги масаллар.

Матто 22:1-14 Исо Масиҳ айтган тўй зиёфати ҳақидаги масал.

ХУДО САДОҚАТЛИДИР

Исо Масиҳга имон келтирганимизда, Худо бизни ҳукм қилмаслигига ва бизга абадий ҳаёт беришига амин бўламиз.

Юҳанно 3:18

Худонинг Ўғлига ишонган одам ҳукм қилинмайди. Унга ишонмаган одам эса аллақачон маҳкум бўлган, чунки у Худонинг ягона Ўғлига ишонмади.

Юҳанно 3:35-36

Ота Ўғлини яхши кўради, У ҳамма нарсани Ўғлининг қўлига топширган. Худонинг Ўғлига ишонган ҳар бир одам абадий ҳаётга эга бўлади. Ўғилни рад этган одам эса ҳаёт кўрмай, Худонинг ғазаби остида қолади.

Римликлар 8:1

Исо Масиҳга тегишли бўлганлар энди ҳукм қилинмайдилар.

Яна қаранг:

Римликлар 8:31-39 Худонинг Исо Масиҳга ишонганларга қўрсатадиган меҳр–муҳаббати.

ХУДО ЎЗ РУҲИНИ БАХШ ЭТАДИ

Исо Масиҳга имон келтирганимизда, Худо бизни Ўзининг Муқаддас Руҳига тўлдиради. Солиҳ ҳаёт кечиришимиз учун, тўғри йўлдан озмаслигимиз учун Муқаддас Руҳ бизга куч–қудрат беради.

Ҳаворийлар 1:4-5, 8

Исо Ўз ҳаворийлари билан дастурхон атрофида ўтирар экан, уларга шундай амр берди: “Қуддусдан кетиб қолманглар, осмондаги Отамнинг берган ваъдаси бажо бўлишини кутинглар. Бу ваъда ҳақида олдин ҳам сизларга айтган эдим. Яҳё одамларни сувга чўмдирар эди, сизлар эса яқин кунларда Муқаддас Руҳга чўмдириласизлар.... Муқаддас Руҳ сизларни қамраб олганда, куч–қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яҳудия ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шоҳидларим бўласизлар.”

Ҳаворийлар 2:38

Бутрус уларга деди: “Тавба қилинглар, ҳар бирингиз Исо Масиҳнинг номи билан сувга чўминглар, токи гуноҳларингиз кечирилсин. Шунда сизлар Муқаддас Руҳни инъом қилиб оласизлар.”

Эфесликлар 5:18

Шароб ичиб маст бўлманглар, чунки бу бузуқликка олиб боради. Аксинча, Муқаддас Руҳга тўлиб–тошинглар.

Яна қаранг:

Галатияликлар 5:16-26 Муқаддас Руҳ етакчилигида ҳаёт кечириш.

БИЗ ХУДОНИНГ АЗИЗ ХАЛҚИМИЗ

Исо Масиҳга имон келтирганимизда, биз Худонинг азиз халқига тегишли бўлиб қоламиз.

Эфесликлар 2:19-22

Демак, сизлар энди бегона ҳам, келгинди ҳам эмассизлар, балки Худонинг азиз халқи қаторидасиз, Унинг хонадони аъзоси бўлдингизлар. Сизлар худди бир бинодайсизлар. Бу бинонинг асоси ҳаворийлару пайғамбарлардир. Бинонинг тамал тоши эса Исо Масиҳнинг Ўзидир. Бу иморат Раббимиз Исо Масиҳ орқали бир бўлиб, юксалиб боради ва Унга бағишланган муқаддас маъбад бўлади. Исо Масиҳга тегишли бўлганингиз учун сизлар ҳам бу иморатнинг бир қисмисиз. Бу иморатни Худонинг Руҳи Ўзига маскан қилиб олади.

1 Бутрус 2:9-10

Сизлар — танланган бир насл, руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас қавм, Худонинг азиз халқисиз. Худо сизларни зулматдан Ўзининг ажойиб нурига даъват этган, Унинг буюк ишларини эълон қилишингиз учун сизларни танлаган. Сизлар бир вақтлар Худога бегона эдингизлар, энди эса Унинг халқисизлар. Бир вақтлар Худонинг марҳаматидан бебаҳра эдингизлар, энди эса Ундан марҳамат топдингизлар.

Яна қаранг:

Ваҳий 21:1-8, 22–27 Янги еру осмон, янги Қуддус ҳақидаги ваҳий.

БИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАСМИЗ

Исо Масиҳга имон келтирганлар билан мунтазам равишда учрашиб туришимиз керак.

Матто 18:20

Исо деди: “Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен ўша ерда уларнинг орасида бўламан.”

Ҳаворийлар 2:42, 46

Имонлилар ҳаворийларнинг таълимотини ўрганишга, биродарликка, Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдиришга ва ибодатга ўзларини бағишладилар…. Имонлилар ҳар куни Маъбадда йиғилардилар. Бир–бирлариникига меҳмонга борганда эса Раббимиз Исони хотирлаш учун нон синдирардилар, соддадиллик билан, юракдан севиниб овқатланишарди.

Яна қаранг:

Ибронийлар 3:12-14, 10:23-25 Имонлиларга огоҳлантириш.

СИЗ ТАЙЁРМИСИЗ?

Доно инсонлар Худодан қўрқади. Улар тўғри йўлдан юриб, Қиёмат кунига тайёр бўлади.

Сулаймоннинг ҳикматлари 9:10, 14:27

Эгамиздан қўрқиш доноликнинг бошидир, Муқаддас Худони билиш идрокдир. Эгамиздан қўрқиш ҳаёт манбаидир, бундай хислат одамни ўлим тузоғидан асрайди.

Матто 4:4

Исо *иблисга* жавобан деди: “Ёзилганки: «Инсон фақат нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди.»”

Яна қаранг:

Матто 7:24-27, Луқо 12:42-48 Исо Масиҳ айтган доно ва аҳмоқ бинокорлар ҳамда ҳушёр хизматкорлар ҳақидаги масаллар.

Забур 90:1-16 Худо Унга умид боғлаганларни ҳимоя қилиб, соғ–омон сақлайди.

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ЮРИШДА ЁРДАМ БЕРАДИГАН ОЯТЛАР РЎЙХАТИ

Кириш

Ушбу қисмда юзга яқин мавзуни ўз ичига олган, ҳаётимиз учун зарур, ҳақиқатни кўрсатадиган оятлар бор. Бу оятлар Муқаддас Китобдаги донолик уммонининг бир томчиси, холос. Улар бешта асосий мавзу остида берилган. Ушбу рўйхатдаги оятлар сизга Муқаддас битикларда муҳим ҳаётий мавзулар ҳақида нималар дейилганини кўрсатади. Умид қиламизки, сиз бу оятларни ўқиб, Худо ҳақида ва Худога манзур ҳаёт қандай бўлиши ҳақида ўрганасиз ҳамда ҳаётингизда учрайдиган кундалик вазиятларда мана шу оятлар туфайли донолик билан иш юритиб, улардан тасалли топасиз.

МУНДАРИЖА

ХУДОНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ОЯТЛАР
РУҲИЙ ҲАЁТИМИЗГА ОИД ОЯТЛАР
ИНСОН ФАЗИЛАТЛАРИ ВА ИЛЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ОЯТЛАР
МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ОЯТЛАР
ҲАЁТДА УЧРАЙДИГАН ВАЗИЯТЛАРДА ЁРДАМ БЕРАДИГАН ОЯТЛАР

ХУДОНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ОЯТЛАР

Худо иноятлидир

Забур 85:15

Сен, эй Раббий, раҳмдил ва иноятли, Жаҳли тез чиқмайдиган Худосан, Севгинг ва садоқатинг мўлдир.

Забур 144:8-9, Юҳанно 1:16-17, Ёқуб 4:6, 1 Бутрус 5:10, Эфесликлар 2:7, 2 Тимўтий 1:9

Худо кечирувчидир

Забур 85:5

Сен, эй Раббий, яхшисан, кечиримлисан, Сенга илтижо қилганларга Содиқ севгингни кўрсатасан.

Забур 129:3-4, 2 Бутрус 3:9, 1 Юҳанно 1:8-9, Эфесликлар 1:7-8, Эфесликлар 4:32, Ибронийлар 10:15-18

Худо мангудир

Ваҳий 1:8

“Мен Ибтидо ва Интиҳодирман, — деб айтмоқда Эгамиз Худо. — Мен олдин бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бор бўладиган Қодир Худодирман.”

Римликлар 1:20, 1 Тимўтий 1:17

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

Худо марҳамат кўрсатувчидир

Ибронийлар 4:16

Келинглар, иноятли Худойимизнинг тахтига жасорат билан яқинлашайлик. Шунда У бизга марҳамат кўрсатади, Унинг иноят зарур вақтда бизга ёрдам беради.

Забур 10:7, Ҳикматлар 12:2, Луқо 1:50, Яҳудо 1:21

Худо меҳр–муҳаббатлидир

Забур 35:6, 8

Эй Эгам, содиқ севгинг фалакларга етгайдир, Эй Эгам, садоқатинг самоларга чўзилгайдир….Содиқ севгинг, эй Худо, нақадар бебаҳодир! Қанотларинг соясида инсонлар паноҳ топади.

Забур 12:6, Забур 62:4, Забур 85:15, Юҳанно 3:16, 1 Юҳанно 3:16-17, 1 Юҳанно 4:7-19, Римликлар 5:6-8, Римликлар 8:38-39, Эфесликлар 2:4-5

Худо меҳр–шафқатлидир

Луқо 1:78

Зеро, Худойимиз меҳр–шафқатга бой, У самодан бизга уфқ Нурини сочади.

Забур 22:6, Забур 24:6, Ёқуб 5:11, Эфесликлар 2:4-7

Худо меҳрибондир

Забур 114:5

Эгамиз меҳрибон, одилдир, Худойимиз раҳмдилдир.

Забур 83:12, Римликлар 2:4

Худо муқаддасдир

Забур 98:9

Улуғланглар Эгамиз Худони! Сажда қилинг Унга муқаддас тоғида. Зеро, муқаддасдир Эгамиз Худо!

Забур 21:4, 1 Бутрус 1:14-16, Ваҳий 4:8, Ваҳий 15:4

Худо нажоткоримиздир

Забур 26:1

Эгам нурим ва нажотимдир, Кимдан қўрқаман?! Эгам ҳаётимнинг қалъасидир, Ким мени қўрқита олар?!

Забур 36:39-40, Забур 61:6-8, Ҳаворийлар 4:11-12, 1 Тимўтий 4:10, Титус 3:4-6

Худо одилдир

Забур 24:8

Эгамиз яхши, адолатлидир! У гуноҳкорларга йўл–йўриқ кўрсатади.

Ҳикматлар 11:1, 1 Бутрус 1:17, 2 Салоникаликлар 1:5-8, Ваҳий 15:3-4

Худо таъминловчимиздир

Забур 15:5

Эй Эгам! Барқарорлигим Сенсан, Муваффақиятим ҳам Ўзингдирсан, Келажагимни Сен таъминлайсан.

Забур 36:25-26, Забур 64:10, Матто 6:25-34, Матто 7:9-11, Ҳаворийлар 14:16-17, Филиппиликлар 4:19

Худо тинчлик берувчидир

Забур 84:9

Парвардигор Эгамиз айтаётганига қулоқ соламан, У Ўз халқига, Ўз тақводорларига тинчлик ваъда қилаётир, Энди улар бемаъни йўлларига қайтмасин.

Ҳикматлар 16:7, Юҳанно 16:33, Римликлар 5:1, Филиппиликлар 4:6-9, 2 Салоникаликлар 3:16

Худо улуғвордир

Забур 95:9

Муқаддас улуғворликка бурканган Эгамизга сажда қилинг! Эй замин аҳли, Унинг олдида титраб туринг!

Забур 23:7-10, Забур 92:1, Юҳанно 1:14, Ваҳий 21:23-25

Худо шодлик ато қилувчидир

Забур 15:11

Менга ҳаёт сўқмоғини Ўзинг кўрсатасан, Ҳузурингда шодлик мени қамраб олади, Менга боқий ҳузур–ҳаловатни Сен берасан.

Забур 29:6, Римликлар 15:13, Галатияликлар 5:22-23

Худо ягона Худодир

Забур 17:32

Эгамиздан бошқа Худо ким экан?! Худойимиздан бўлак суянчиқ Қоя бормикан?!

Марк 12:28-33, Римликлар 3:29-30, 1 Коринфликлар 8:5-6

Худо яқиндир

Забур 144:18

Эгамиз Ўзига ёлворганларнинг ёнидадир, Чин дилдан илтижо қилганларнинг ёнидадир.

Забур 33:19, Забур 74:2, Забур 138:7-12, Ҳаворийлар 17:27

Худо ўзгармасдир

Забур 101:28

Сен эса ҳеч ўзгармассан, Сен то абад яшайсан.

Забур 32:11, Забур 101:25-28, Ёқуб 1:17

Худо қудратлидир

Забур 92:4

Юксакдаги Эгамиз денгиз тўлқинларидан ҳам қудратлироқдир, Баҳайбат сувларнинг пишқиришидан ҳам қудратлироқдир.

Забур 88:9, Луқо 1:46-55, Ваҳий 4:11, Ваҳий 19:1

Худо ҳаёт манбаидир

Забур 35:10

Ҳаётнинг булоғи Сендадир, Зиё олармиз Сенинг нурингдан.

Забур 103:30, Забур 138:13-16, Юҳанно 1:1-5, Юҳанно 5:24-26, Юҳанно 14:6, Ҳаворийлар 17:24-25

Худо ҳамма нарсани билгувчидир

Забур 138:1-5

Эй Эгам, мени Ўзинг синаб кўриб, билгансан, Қачон ўтириб, қачон туришимни Ўзинг биласан, Ўй–хаёлларимни узоқдан туриб англаб оласан, Юришимни, ётишимни Сен текширасан, Барча йўлларим Сенга ойдай равшандир. Бирон сўз тилимга келмасдан олдин, Эй Эгам, Сен ҳаммасини биласан. Мени ҳамма томондан ўраб олгансан, Қўлларингни устимга қўйгансан.

Забур 33:16-19, Ибронийлар 4:13

РУҲИЙ ҲАЁТИМИЗГА ОИД ОЯТЛАР

Абадий ҳаёт ҳақида

Юҳанно 3:16

Зеро, Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан бирортаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин.

Юҳанно 5:24, Юҳанно 10:27-28, Юҳанно 17:1-3, 1 Юҳанно 5:11-12, Римликлар 6:23

Гуноҳ ҳақида

1 Юҳанно 2:1-2

Азиз болаларим, гуноҳ қилманглар деб, мен сизларга шуларни ёзяпман. Борди–ю, бирортамиз гуноҳ қилиб қўйсак, Отамиз Худонинг олдида ҳомийимиз — Исо Масиҳ бор, У Солиҳ Зотдир. У бизни гуноҳларимиздан поклаш учун қурбон бўлди. Нафақат бизнинг, балки бутун дунёнинг гуноҳлари учун қурбон бўлди.

Забур 89:8, Ҳикматлар 13:21, 1 Юҳанно 1:8-10, Римликлар 5:6-8, Римликлар 6:23, Эфесликлар 2:1-9

Жасорат билан Хушхабар айтиш ҳақида

Римликлар 1:16

Мен Хушхабардан ор қилмайман, чунки Худонинг куч–қудрати бўлган бу

Хушхабар орқали унга ишонганларнинг ҳаммаси қутқарилади. Ишонадиганлар яҳудийми, ғайрияҳудийми, фарқи йўқ!

Ҳаворийлар 4:18-20, 31, 1 Коринфликлар 16:13, 1 Салоникаликлар 2:1-2, Ибронийлар 3:6

Ибодат ҳақида

Матто 6:9-13

Сизлар эса шундай ибодат қилинглар: “Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас номинг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, Ерда ҳам Сенинг иродинг бажо бўлсин. Бугунги ризқимизни бергин. Бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилмагин, Ёвуз шайтондан халос қилгин.”

Забур 65:16-20, Ҳикматлар 15:8, Матто 6:5-13, Матто 7:7-11, Луқо 18:1-8, 1 Юҳанно 5:14-15, Римликлар 8:26-27, 1 Тимўтий 2:1-2

Нажот ҳақида

Юҳанно 14:6

Исо унга деди: — Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.

Юҳанно 3:16-17, Ҳаворийлар 2:36-39, Ҳаворийлар 16:29-31, Римликлар 10:9-10, 1 Тимўтий 2:4-6

Поклик ҳақида

Ҳикматлар 11:20

Эгри юрак Эгамизга жирканч, покларнинг ишлари эса Унинг қувончидир.

Забур 7:11, Забур 18:10, Ҳикматлар 11:5, Матто 5:8, 1 Юҳанно 2:1-2, 2 Коринфликлар 7:1, Филиппиликлар 4:8

Руҳий жанг ҳақида

Эфесликлар 6:11-12

Иблиснинг ҳийлаларига қарши тура олишингиз учун Худо берган барча қурол–аслаҳалар билан қуролланинг. Ахир, бизнинг курашимиз инсонларга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, руҳий ҳокимият ва ҳукмронликка ҳамда бу қоронғи дунёни бошқараётган руҳий ҳукмронларга қаршидир.

1 Бутрус 5:8-9, Римликлар 8:38-39, 2 Коринфликлар 10:3-5, Эфесликлар 6:10-18, 2 Салоникаликлар 3:3

Рўза тутиш ҳақида

Матто 6:16-18

Рўза тутаётганингизда, иккиюзламачилар каби, қовоқ солиб юрманглар. Улар рўза тутаётганларини бошқаларга кўрсатиш учун ювиниб–таранмайдилар. Сизларга чинини айтайин: улар ўз мукофотларини олиб бўлганлар. Сизлар рўза тутганларингизда юзларингизни ювиб, сочларингизни тараб юринг, токи рўза

тутганингизни яширин бўлган Отангиздан бошқа ҳеч ким билмасин. Шунда яширин қилган ишингизни кўрган Отангиз сизни тақдирлайди.

Марк 2:18-20, Луқо 18:9-14, Ҳаворийлар 13:2-3

Солиҳлик ҳақида

Ҳикматлар 11:19

Солиҳликни кўзлаган инсон ҳаётга, ёмонликни кўзлаган эса ўз ўлимига эришади.

Забур 33:16, Забур 36:16-17, Ҳикматлар 10:11, Ҳикматлар 12:26, Римликлар 1:17, Филиппиликлар 3:8-9, 2 Тимўтий 4:8

Тинчлик ҳақида

Юҳанно 14:27

Мен сизларга тинчликни қолдиряпман. Ўз тинчлигимни сизларга беряпман. Мен бераётган тинчлик дунё берадиган тинчликка ўхшамайди. Юрагингиз сиқилмасин, қўрқманглар.

Забур 33:15, Ҳикматлар 12:20, Матто 5:9, Юҳанно 16:33, Римликлар 5:1, Римликлар 8:6, Колосаликлар 3:15

Худога шукрона айтиш ҳақида

Забур 68:31-32

Номини куйлаб, Худони мадҳ қиламан, Шукур айтиб, Уни мақтайман. Қурбонлик қилинган бузоқдан, ҳатто буқадан кўра, Ҳамдларим Эгамни кўпроқ мамнун қилади.

Забур 94:1-5, Забур 99:1-5, Забур 105:1-2, Филиппиликлар 4:6-7

Худонинг етакчилиги ҳақида

Ҳикматлар 3:5-6

Ўз ақл–идрокингга суянма, бутун қалбинг билан Эгамизга ишон. Ҳар ишингда Эгамизни эътироф эт, шунда У йўлларингни тўғрилайди.

Забур 31:8-9, Забур 36:5, Ҳикматлар 4:20-22, Ёқуб 1:5-8

ИНСОН ФАЗИЛАТЛАРИ ВА ИЛЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ОЯТЛАР

Дангасалик ҳақида

Ҳикматлар 10:4

Дангаса қўллар қашшоқлик келтиради, тиришқоқ қўллар эса бойлик.

Ҳикматлар 6:6-11, 1 Салоникаликлар 4:11, 2 Салоникаликлар 3:6-13

Ёлғон гапириш ҳақида

Ҳикматлар 12:22

Ёлғончи тил Эгамизга жирканч, тўғрилик билан иш қиладиганлар эса Унинг севинчидир.

Забур 33:12-14, Ҳикматлар 11:1, Ҳикматлар 19:22, Колосаликлар 3:9

Жинсий ахлоқсизлик ҳақида

1 Салоникаликлар 4:3-5

Сизларнинг муқаддас бўлишингиз Худонинг иродасидир. Шунинг учун жинсий ахлоқсизлик қилманг. Ҳар бирингиз муқаддаслик ва иззат–ҳурматга лойиқ тарзда ўзингизни тута билишингиз керак. Худони билмаган бутпарастлардай шаҳвоний ҳирсга қул бўлманг.

1 Коринфликлар 6:15-20, 1 Коринфликлар 10:6-8, Галатияликлар 5:19-21, Колосаликлар 3:5-7

Итоаткорлик ҳақида

1 Юҳанно 2:5

Худонинг каломига итоат қилган одамда эса Худонинг севгиси ўз мукаммал ифодасини топган. Биз Худо билан бирга эканимизни ана шундан билсак бўлади.

Забур 39:7, Забур 50:14, Юҳанно 14:23-24, Ибронийлар 5:7-9

Камтарлик ҳақида

Ҳикматлар 18:12

Такаббурлик ҳалокатга олиб боради, камтарлик эса иззату икромга сазовор қилади.

Забур 24:9, Ҳикматлар 11:2, Ҳикматлар 29:23, Матто 18:1-5, Луқо 18:9-14, 1 Бутрус 5:5-6, Филиппиликлар 2:3-11

Майхўрлик ҳақида

Ҳикматлар 20:1

Шароб — мазахчи, ароқ — жанжалкаш, уларга алданганлар нодондир.

Ҳикматлар 23:20-21, 1 Бутрус 4:3, 1 Коринфликлар 5:11, 1 Коринфликлар 6:9-10, Эфесликлар 5:18

Меҳрибонлик ҳақида

Забур 111:4

Ҳатто зулматда ҳам тўғри инсонга нур ёғилади, Раҳмдил, меҳрибон, солиҳ одамга ёғду сочилади.

Ҳикматлар 11:16, Ҳикматлар 12:10, 1 Коринфликлар 13:4

Миннатдорчилик ҳақида

Забур 117:28-29

Сен Худойимсан, Сенга шукур айтаман, Сен Худойимсан, Сени улуғлайман. Эгамизга шукрона айтинг, У яхшидир, Унинг содиқ севгиси абадийдир.

Колосаликлар 2:6-7, Колосаликлар 3:15-17, Ибронийлар 12:28

Мулойимлик ҳақида

Ҳикматлар 25:15

Сабр–тоқат билан гапирилса амалдор ҳам кўнади, мулойим сўз тошни ҳам синдиради.

1 Бутрус 3:15-16, Галатияликлар 6:1, Эфесликлар 4:1-3, Филиппиликлар 4:5

Раҳмдиллик ҳақида

Ҳикматлар 19:17

Камбағалга раҳм қилиш — Эгамизга қарз беришдай, У яхшиликни қайтаради.

Ҳикматлар 21:10, Матто 5:7, Матто 9:13, Ёқуб 2:12-13, Колосаликлар 3:12

Сабр–тоқат ҳақида

Ҳикматлар 14:29

Сабр–тоқатли одам ақл–идроклидир, жаҳлдорлик аҳмоқликни билдиради.

Ёқуб 5:7-8, Римликлар 12:12, 1 Коринфликлар 13:4, Колосаликлар 3:12-13, Ибронийлар 12:7

Сахийлик ҳақида

Ҳикматлар 11:24-25

Баъзиларнинг қўли очиқ, аммо бойлиги кўпаяверади. Баъзилар ҳаддан ташқари тежамкор, аммо қашшоқлашаверади. Сахийнинг бири икки бўлади, бошқаларга яхшилик қилганнинг ўзи ҳам яхшилик кўради.

Забур 111:5, Ҳикматлар 22:9, 2 Коринфликлар 8:1-4, 1 Тимўтий 6:17-19

Такаббурлик ва мағрурлик ҳақида

Ҳикматлар 16:18

Мағрурликнинг ортидан ҳалокат келади, такаббурликдан сўнг эса одам қоқилади.

Ҳикматлар 11:2, Ҳикматлар 16:5, Ҳикматлар 29:23, Луқо 18:9-14

Тиришқоқлик ҳақида

Ҳикматлар 12:24

Тиришқоқ ҳукм суради, дангаса эса қул бўлади.

Ҳикматлар 10:4, Ҳикматлар 13:4

Хасислик ва очкўзлик ҳақида

Ҳикматлар 15:27

Очкўз ўз уйига ташвиш келтиради, порадан нафратланадиган эса яшайди.

Ҳикматлар 1:19, Ҳикматлар 23:4-5, Матто 6:19-21, Луқо 12:15-21, 1 Тимўтий 6:7-10

Художўйлик ҳақида

1 Тимўтий 4:8-9

Ахир, шундай бир мақол бор–ку: “Жисмоний машқ тана учун фойда берар, художўйлик эса ҳар томонлама фойда келтирар, у дунёю бу дунёда ҳаёт бахш этар.” Бу гап тўғри ва асослидир, у ҳар жиҳатдан қабул қилинишга лойиқдир.

1 Тимўтий 6:3-6, 11, 2 Тимўтий 3:1-5

Ўзини тута билиш ҳақида

Ҳикматлар 25:28

Ўзини тута олмайдиган одам деворсиз вайрона шаҳар кабидир.

Ҳикматлар 16:32, Ёқуб 1:19, Титус 2:2-5

Ўғрилик ҳақида

Ҳикматлар 13:11

Ҳийла билан топилган давлат йўқолади, меҳнат билан топилгани эса кўпаяди.

Ҳикматлар 20:10, Эфесликлар 4:28, Титус 2:9-10

Қаноат қилиб яшаш ҳақида

Ибронийлар 13:5

Пулга кўнгил боғламанглар, бори билан қаноатланинглар. Зеро, Худо: “Сизларни ташлаб кетмайман, сизларни тарк этмайман”, — деб айтган.

Луқо 3:14, Филиппиликлар 4:11-12, 1 Тимўтий 6:7-10

Ҳасад ҳақида

Ҳикматлар 14:30

Хотиржам юрак танага ҳаёт бахш этади, ҳасадгўйлик эса суякларни чиритади.

Ёқуб 3:13-16, 1 Бутрус 2:1, Римликлар 13:13, Титус 3:3-5

Ҳаққонийлик ҳақида

Ҳикматлар 24:26

Тўғри жавоб берадиганларни ҳамма севади.

Ҳикматлар 12:17-19, Ҳикматлар 16:11, 1 Бутрус 3:10-12

МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ОЯТЛАР

Ажрашиш ҳақида

1 Коринфликлар 7:10-11

Қуйидаги амр эса уйланган ва эрга текканларга берилган. У мендан эмас, Раббимиз Исодандир: хотин эри билан ажрашмасин. Ажрашган бўлса, бошқа эрга тегмасин ёки ўз эри билан ярашсин. Эр ҳам ўз хотини билан ажрашмасин.

Матто 5:27-32, Матто 19:3-9, 1 Коринфликлар 7:10-16

Бошқаларга хизмат қилиш ҳақида

1 Бутрус 4:10

Худо сизларга берган инъомлар билан бир–бирингизга хизмат қилинглар. Худонинг бу бой эҳсонларидан оқилона фойдаланинглар.

Матто 20:20-25, Матто 25:31-46, Галатияликлар 5:13-15, Филиппиликлар 2:3-4, Ибронийлар 13:1-3

Бошқаларни кечириш ҳақида

Матто 6:14-15

Агар сизларга ёмонлик қилганларни кечирсангизлар, осмондаги Отангиз ҳам сизни кечиради. Борди–ю, сизлар бошқаларнинг гуноҳларини кечирмасангизлар, Отангиз ҳам сизни кечирмайди.

Ҳикматлар 19:11, Матто 18:21-35, Марк 11:25-26, Колосаликлар 3:13

Бошқаларни ҳукм қилиш ҳақида

Римликлар 2:1

Эй бошқаларни ҳукм қилаётган инсон! Сен ким бўлишингдан қатъий назар, бошқаларни ҳукм қилишга ҳеч ҳақинг йўқ. Сен бошқа одамни ҳукм қилиб, ўзингни ҳам маҳкум этасан. Ахир, ўзинг ҳам шу ишларни қиляпсан–ку!

Матто 7:1-5, Ёқуб 4:11-12, Римликлар 14:10-13

Душманларга муносабат ҳақида

Ҳикматлар 24:17-18

Душманинг йиқилганда севинма, қоқилгани учун юрагинг қувонмасин. Бўлмаса Эгамиз буни кўриб ёқтирмай, ғазабини ундан ўгиради.

Матто 5:44-48, Римликлар 12:17-21

Дўстлик ҳақида

Ҳикматлар 18:24

Шундай дўст борки, у ҳалокат келтиради, дўст борки, у туғишгандан ҳам яқинроқдир.

Ҳикматлар 17:9, 17, Ҳикматлар 27:6

Жаҳл ва ғазаб ҳақида

Эфесликлар 4:26-27

Ҳатто ғазабланганингизда ҳам гуноҳ қилманглар. Қуёш ботгунча жаҳлдан тушинглар. Иблисга фурсат бермanглар.

Ҳикматлар 14:29, Ҳикматлар 19:11, Ёқуб 1:19-20, Эфесликлар 4:31-32

Зино ҳақида

Ибронийлар 13:4

Никоҳни ҳаммангиз эъзозланглар. Эр–хотинлик муносабатини беғубор сақланглар. Фаҳшу зинога берилганларни Худо ҳукм қилади.

Ҳикматлар 5:20-21, Ҳикматлар 6:20-35, Матто 5:27-32, Марк 10:10-12

Масиҳий биродарларга муносабат ҳақида

Ибронийлар 13:1

Бир–бирингизни биродарлардай яхши кўришни давом эттиринглар.

Матто 5:23-24, 3 Юҳанно 1:5-8, Римликлар 14:1, 19, Римликлар 16:17, 1 Коринфликлар 1:10

Масиҳийларнинг якдиллиги ҳақида

Римликлар 12:4-5

Ахир, танамиз бир бўлса–да, танамиз аъзолари кўп, танамиз аъзоларининг вазифаси ҳам бир хил эмас. Шунга ўхшаб, биз — Масиҳга тегишли бўлганлар бир танани ташкил қиламиз. Ҳар биримиз ҳар хил аъзолар бўлиб, бир–биримизга боғлиқмиз.

Ҳаворийлар 2:44-46, Эфесликлар 4:3-6, Филиппиликлар 2:1-4, Ибронийлар 10:24-25

Меҳр–муҳаббат кўрсатиш ҳақида

Юҳанно 15:12-13

Менинг амрим шу: Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир–бирингизни шундай севинглар. Ким ўз жонини дўстлари учун фидо қилса, бундан ортиқ севги йўқ.

Римликлар 12:9-10, Римликлар 13:8, 1 Коринфликлар 13:1-13, Ибронийлар 10:24

Меҳр–шафқат кўрсатиш ҳақида

Луқо 6:36

Осмондаги Отангиз раҳмдил бўлгани каби, сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар.

Матто 5:7, Ёқуб 3:17, Эфесликлар 4:32

Мусофир ва муҳтожларга муносабат ҳақида

Забур 145:9

Эгамиз мусофирларни асрайди, Етим ва беваларни қўллайди, Фосиқнинг

йўлларига халақит беради.

Матто 25:34-36, 1 Бутрус 2:11-12

Никоҳ ҳақида

Колосаликлар 3:18-19

Эй хотинлар, эрингизга итоатли бўлинглар. Шундай қилиш Раббимиз Исонинг издошларига муносибдир. Эй эрлар, хотинингизни севинглар, уларга қўпол муомалада бўлманглар.

Ҳикматлар 31:10-31, 1 Бутрус 3:1-7, 1 Коринфликлар 7:1-16, Эфесликлар 5:21-33

Ота–оналару фарзандлар муносабати ҳақида

Ҳикматлар 23:22, 24

Сени дунёга келтирган отангга қулоқ сол, онанг қариганда уни хор қилма….Солиҳ отасининг бошини кўкка етказади, доно фарзанд уни хурсанд қилади.

Ҳикматлар 19:13, 26, Ҳикматлар 20:20, Матто 15:4-6, Эфесликлар 6:1-4

Тилни жиловлаш ҳақида

Эфесликлар 4:29

Оғзингиздан ҳеч қандай ярамас сўз чиқмасин. Лекин тингловчиларнинг эҳтиёжига кўра, керакли гапларни айтиб, уларга далда беринг, шунда сўзларингиз уларга фойда келтиради.

Ҳикматлар 10:19, Ҳикматлар 21:23, Матто 12:33-37, Ёқуб 1:26, Ёқуб 3:1-12

Хафагарчилик ҳақида

Колосаликлар 3:13

Бир–бирингизга нисбатан сабр–тоқатли бўлинглар. Орангизда хафагарчилик ўтган бўлса, бир–бирингизни кечиринглар. Эгамиз сизларни кечиргани каби, сизлар ҳам бошқаларни кечиринглар.

Матто 5:23-24, 1 Бутрус 4:8

Қасос олиш ҳақида

1 Бутрус 3:9

Ёмонликка ёмонлик, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтармanглар, аксинча, ҳаммани дуо қилинглар. Зеро, Худо сизларни шунга даъват этган. Буларга риоя қилсангиз, барака топасизлар.

Ҳикматлар 20:22, 1 Бутрус 2:21-23, Римликлар 12:17-21

Ғийбат ҳақида

Ҳикматлар 16:28

Маккор жанжал чиқаради, ғийбатчи эса яқин дўстларни ажратади.

Забур 100:5, Ҳикматлар 10:18, 1 Бутрус 2:1

Ҳақиқатни айтиш ҳақида

Эфесликлар 4:15

Келинглар, меҳр–муҳаббат билан ҳақиқатни айтиб, жамоатнинг боши бўлган Масиҳга ўхшаб ҳар жиҳатдан етук инсонлар бўлайлик.

Ҳикматлар 24:26, 28, Ҳикматлар 26:28, Эфесликлар 4:25

ҲАЁТДА УЧРАЙДИГАН ВАЗИЯТЛАРДА ЁРДАМ БЕРАДИГАН ОЯТЛАР

Адолат ва ҳақиқатга интилганда

Матто 5:6

Адолатга ташна бўлганлар бахтлидир, Чунки Худо уларни қондиради.

Забур 24:5, Забур 32:5, Забур 81:3, Ҳикматлар 2:7-9, Ҳикматлар 21:3

Айбини ҳис қилганда

Ҳикматлар 28:13

Ўз гуноҳларини яширган ютуққа эришмайди, уларни тан олиб, воз кечган марҳамат топади.

Забур 31:5, Забур 50:3-19, 1 Юҳанно 1:8-9, 2 Коринфликлар 7:10

Бойлик ҳақида

Ҳикматлар 11:4

Қиёмат кунида бойлик фойда бермайди, солиҳлик эса ўлимдан сақлайди.

Забур 48:17-18, Ҳикматлар 11:28, Ҳикматлар 22:1, 16, Ҳикматлар 23:4-5, Ҳикматлар 28:6, Матто 6:24, Матто 19:16-30, Луқо 12:15-21, Луқо 16:9-13, 1 Тимўтий 6:7-10, 17-19

Васваса ва синовлардан ўтганда

1 Коринфликлар 10:13

Сизлар тушган васвасага бошқалар ҳам дучор бўлган. Аммо Худо содиқдир, У кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл қўймайди. Васвасага бардош бера олишингиз учун керакли пайтда васвасадан қутулиш йўлини ҳам беради.

Матто 4:1-11, Ёқуб 1:12-15, Ёқуб 4:7, 1 Юҳанно 2:15-17

Донолик керак бўлганда

Забур 110:10

Эгамиздан қўрқиш доноликнинг бошидир, Бундай йўл тутганларнинг ақли расодир, Унинг ҳамду санолари то абад давом этади.

Ҳикматлар 2:1-6, Ҳикматлар 9:9-12, Ҳикматлар 16:16, Ёқуб 1:5, Ёқуб 3:13-18

Ёлғизликни ҳис қилганда

Забур 144:18

Эгамиз Ўзига ёлворганларнинг ёнидадир, Чин дилдан илтижо қилганларнинг ёнидадир.

Забур 22:1-6, Забур 24:16-18, Забур 26:10, Забур 67:7

Ёмон одатларни ташламоқчи бўлганда

Филиппиликлар 4:13

Менга куч–қувват берадиган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан.

Галатияликлар 5:16, 22-23, Эфесликлар 4:22-24

Имон суст бўлганда

Ибронийлар 10:23

Энди ўзимиз эътироф этган умидимизни иккиланмай маҳкам тутайлик. Чунки ваъда берган Худо Ўз сўзига содиқдир.

Матто 8:23-27, Матто 14:25-31, Марк 9:21-24, Луқо 22:31-32, Юҳанно 14:27, 2 Тимўтий 2:11-13, Ибронийлар 11:1-2, 6, Ибронийлар 12:2

Иш яхши юришганда

Забур 106:8-9

Содиқ севгиси учун улар Эгамизга шукрона айтсин! Эгамизнинг инсониятга кўрсатган ажойиб ишлари учун шукур қилсин! Зотан, У қондирар ташна бўлганларни, Тўйдирар неъматлар билан очларни.

Забур 83:12, Забур 102:1-5, 1 Салоникаликлар 5:16-18

Ишингиз ҳақида ўйлаётганингизда

Эфесликлар 6:7-8

Инсонларга эмас, балки Раббимиз Исога хизмат қилаётгандек, бажону дил хизмат қилинглар. Эсингизда тутинг: хоҳ қул, хоҳ эркин бўлсин, ҳар бир киши қилган яхшилигига яраша мукофотни Раббимиздан олади.

Ҳикматлар 3:3-4, Эфесликлар 4:28, Эфесликлар 6:5-9

Касалликка дучор бўлганда

Забур 102:2-3

Эгамизни олқишлагин, эй жоним, Унинг қилган ҳамма яхшиликларини унутмагин! Ҳамма гуноҳларимни У кечиради, Барча хасталикларимга У шифо беради.

Марк 1:40-41, Ёқуб 5:14-15, 2 Коринфликлар 4:16-18

Келажакка умид керак бўлганда

Ҳикматлар 23:18

Чунки албатта келажак бор, умидинг рўёбга чиқади.

Забур 26:1, Забур 90:1-10, 1 Бутрус 1:3-9, 2 Коринфликлар 1:21-22, Филиппиликлар 1:6

Кулфатли дамларда

Забур 45:2

Худо бизнинг паноҳимиз, қудратимиздир, Кулфатда қолганимизда доим мададкоримиздир.

Забур 17:7, Забур 49:15, Забур 58:17-18, Ҳикматлар 31:8

Тушкунликка тушганингизда

Забур 42:5

Нега тушкунликка тушасан, эй жоним? Нега беҳаловат бўласан ичимда? Худога умид боғла! Шукур этаман Яна Унга — нажоткорим, Худойимга.

Забур 39:2-5, Забур 54:23, Забур 60:2-4, Римликлар 8:36-39

Умидсиз бўлганда

Забур 33:18-19

Тақводорлар ёлворади, Эгамиз эшитади, Барча балолардан уларни Эгамиз қутқаради. Кўнгли чўкканларга Эгамиз яқиндир, Руҳан эзилганларни У қутқаради.

Забур 22:1-4, Забур 41:2-6

Хавотир олганда

Забур 93:18-19

“Оёқларим қоқилади”, деб ўйлаганимда, Эй Эгам, содиқ севгинг мени қўллади. Ичим хавотирга тўлиб кетганда, Сен берган тасалли менга қувонч келтирди.

Забур 22:4, Забур 54:23, Луқо 12:22-31, 1 Бутрус 5:6-7

Хавфга дучор бўлганда

Забур 26:1

Эгам нурим ва нажотимдир, Кимдан қўрқаман?! Эгам ҳаётимнинг қалъасидир, Ким мени қўрқита олар?!

Забур 90:1-6, Забур 117:5-9, Римликлар 8:35-39

Шодлик, қувончга тўла дамларда

Забур 94:1

Келинглар, севинч ила Эгамизни куйлайлик, Нажотимиз Қоясига шодлик ила ҳайқирайлик.

Забур 31:11, Забур 70:14-16, Эфесликлар 5:19-20

Юпанч ва далда керак бўлганда

Забур 93:18-19

“Оёқларим қоқилади”, деб ўйлаганимда, Эй Эгам, содиқ севгинг мени қўллади. Ичим хавотирга тўлиб кетганда, Сен берган тасалли менга қувонч келтирди.

Забур 22:1-4, Матто 5:4, 2 Коринфликлар 1:3-5, Ваҳий 21:3-4

Юрак нотинч бўлганда

Юҳанно 14:27

Мен сизларга тинчликни қолдиряпман. Ўз тинчлигимни сизларга беряпман. Мен бераётган тинчлик дунё берадиган тинчликка ўхшамайди. Юрагингиз сиқилмасин, қўрқманглар.

Забур 45:2-4, Забур 54:23, Матто 6:25-34, Филиппиликлар 4:6-7

Ўзингизни ожиз, кучсиз ҳис қилганингизда

Забур 9:35

Сен эса кўриб турасан, Билиб турасан кулфату азобда қолганларни. Қўлларингни уларга узатасан, Ожиз ўзини Сенинг паноҳингга топширади, Сен етимга доим ёрдам бергансан.

Римликлар 8:26-27, 2 Коринфликлар 4:7, 2 Коринфликлар 12:9-10, Филиппиликлар 4:13, Ибронийлар 4:14-16

Қайғурганда

Ваҳий 21:4

Худо уларнинг кўзидаги ҳар бир томчи ёшни артиб қўяди. Энди ўлим мавжуд бўлмайди, Ҳеч ким қайғурмайди, йиғламайди, азоб чекмайди. Зеро, аввалгилар ўтиб кетди.

Забур 29:6, Забур 55:9, Забур 141:2-3, 1 Салоникаликлар 4:13-14

Қарор чиқараётганда

Ҳикматлар 12:15

Нодон ўз йўлини тўғри деб ўйлайди, доно эса маслаҳатга қулоқ солади.

Забур 24:4-10, Забур 118:105, Римликлар 12:1-2

Қийинчилик, азоб–уқубатга йўлиққанда

Забур 33:19

Кўнгли чўккanларга Эгамиз яқиндир, Руҳан эзилганларни У қутқаради.

Матто 11:28, Луқо 22:41-44, Ёқуб 1:2-4, Римликлар 12:12, 2 Коринфликлар 12:9-10

МАСИҲИЙЛАР ЖАМОАТИНИНГ ЎРТА ОСИЁДАГИ ҚАДИМИЙ ТАРИХИ

Янги Аҳднинг Ҳаворийлар фаолияти китобида Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабар қай тарзда Рим империяси, яъни ғарб томонга ёйилгани баён этилган. Кейинроқ ёзилган тарихий қўлёзмалар ва археологик топилмалардан маълум бўлишича, Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабар шарқ томонга, яъни Персияга — аввал Парфияга, кейинроқ эса Сосонийлар империясига ҳам етиб борган. Қадимий манбалардан маълумки, тахминан милодий 200 йиллар атрофида, Бақтриянинг[1] Кушон империясида масиҳийлар мавжуд бўлган. Бешинчи асрнинг бошларига келиб, Ҳирот[2] ва Марв[3] шаҳарларида хизмат қилиш учун масиҳий етакчилар тайинланган. Милодий 424 йилда Форс пойтахти Селевкия–Ктесифонда[4] “Шарқ жамоати” расмий эътироф этилган.

Вақтлар ўтиб, Ўрта Осиё аҳолиси орасида Масиҳга имон келтирган одамлар сони кўпайди. Бу ҳудуддаги масиҳийлар Худога суриёний тили ва маҳаллий тилларда сажда қилардилар. Бу маҳаллий тиллар форс, суғд ва қадимий турк тиллари эди. Масиҳийларнинг сони Амударёнинг шимол томонида ҳам кўпайиб, масиҳийлар жамоати ёйила бошлади. Шундай қилиб, VI асрнинг охирлари ва VII асрнинг бошларида Самарқанд асосий руҳий-маънавий марказ бўлиб қолди. Ҳикоя қилишларича, мана шу даврларда қадимий туркий аҳоли[5] пешонасига хочнинг расмини зарб қилиб, чиздириб олганлар. Уларнинг тушунчаси бўйича хоч тасвири уларни вабодан асрар экан. Тахминан 644 йили турк ҳукмдорларидан бири ва унинг лашкарлари бир дарё қирғоғида Масиҳга имон келтирганлар. Олимлар ўша дарёни Амударё деб тахмин қилишади.

Суриёний, форс ва суғд тилида гаплашадиган Ўрта Осиё масиҳийлари Исо Масиҳ ҳақидаги хушхабарни ёйишни давом эттирдилар. Ақ–бешим[6] ва Ургутда[7] масиҳийлар ибодатхоналари топилган. Археологлар Муқаддас Китобдаги ҳикояларнинг мазмунига расми ишланган кумуш лаганлар ва Бухородан чиққан хоч зарби бор тангалар ҳам топишган. Археологик топилмалар кўрсатадики, суғд тилида гапирадиган масиҳийлар ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудидан шарқ томонга, ҳатто Хитойга ҳам Исо Масиҳ ҳақидаги хушхабарни ёйганлар. Турфонда[8] 500 дан ортиқ суғд тилидаги масиҳийча қўлёзма парчалари топилган.

VII асрнинг охирларида Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олингандан кейин масиҳийларнинг фаолиятига чекловлар қўйиш бошланди. Вақтлар ўтиб, масиҳийлар ибодатхоналарининг баъзилари масжидга айлантирилди. Бунга Бухородаги бир масжид намунадир. Буларга қарамай, Ўрта Осиё масиҳийлари Худога сажда қилиш учун йиғилишда давом этавердилар. Улар бутун Ўрта Осиё ҳудудига Исо Масиҳ ҳақидаги хушхабарни ёйишни тўхтатмадилар. Буларнинг

---

[1] Ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган эди.
[2] Ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган.
[3] Ҳозирги Туркманистоннинг Мари шаҳрига яқин жойлашган эди.
[4] Бу икки бирлашган шаҳарлар ҳозирги Ироқда жойлашган эди.
[5] Улар кўктурклар бўлган бўлса керак.
[6] Ҳозирги Қирғизистон ҳудудида жойлашган эди.
[7] Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган.
[8] Ҳозирги Хитойнинг Шинжон вилоятида жойлашган.

© Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 2020
www.ibt.org.ru; ibt_inform@ibt.org.ru

бири Балхлик[9] бўлиб, масиҳийларга раҳнамо бўлган Яздибозид деган кишидир. У Хитой ҳудуди бўйлаб юриб, одамларга Исо Масиҳ ҳақида таълим берган.

Тахминан VIII асрнинг охирларида Шарқ жамоатининг йўлбошчиси томонидан ёзилган иккита мактубда шундай дейилган: “туркларнинг шоҳи” ва ўша шоҳликнинг аксарият аҳолиси Исо Масиҳга ишониб, Унинг йўлидан юра бошлади. Шунингдек, ушбу мактубларда ўша шоҳ ўз халқи учун бир масиҳий етакчи тайинлашни сўраганлиги ҳақида ҳам ёзилган. Бу турклар қарлуқлар бўлса керак, деб тахмин қилинади. Қарлуқларнинг пойтахти Тарозда[10] эди. Милодий 893 йилда қарлуқлар Бухоро сомонийлари томонидан босиб олинганлар. Қарлуқ масиҳийларининг катта ибодатхонаси ҳам масжидга айлантирилган. Ўша даврдан қолган тарихий маълумотларга кўра, Самарқанддаги масиҳийлар ибодатхонасининг дарвозалари дунёдаги энг гўзал ижод намунаси ҳисобланган.

Тахминан милодий 1000 йилда машҳур олим Беруний Хоразмда масиҳийлар нишонлаган байрамлар ҳақида ёзган. Ўша даврнинг икки тарихчиси 200 мингта керайит турклари Монголияда 1007 йилда Исо Масиҳга имон келтириб, Унинг йўлидан юра бошлаганини айтиб ўтишган. Уларнинг ёзишича, керайит туркларининг шоҳи қаттиқ бўрон пайтида тоғда йўлини тополмай қолган. Масиҳий бир улуғ зот шоҳга ваҳийда кўриниб, уни қароргоҳига қайтариб олиб борган. Шоҳ қароргоҳга эсон–омон қайтиб боргандан кейин, ўша ерда масиҳий савдогарлар билан уларнинг имони ҳақида суҳбатлашган. Шундан кейин шоҳ бир қурбонгоҳ ўрнатиб, унинг олдига тўрт Хушхабарнинг нусхасини ва бир меш бия сути қўйган. Мана шу қурбонгоҳ олдида керайит турклари ибодат қилганлар ва, биз Исо Масиҳ таълимотига садоқат билан амал қиламиз, деб қасамёд қилганлар ва шу онтнинг рамзи сифатида ўша сутдан ичганлар.

XIV асрга келиб, Қашғар ва Алмалик[11] шаҳарларида хизмат қилишлари учун масиҳий етакчилар тайинланган. Шарқ жамоати масиҳийларининг эътиқоди ҳақида археологик далиллар мавжуд. Бу далилларнинг аксарияти Турфон ва Дунхуандан[12] топилган сурёний, суғд, форс ва ўрта турк[13] тилларидаги 1100 та қўлёзма парчаларидан иборатдир. Бу қўлёзмалар IX асрдан XIV асргача бўлган даврларда ёзилган. Уларнинг орасида Муқаддас Китобдан, асосан Забур, Хушхабарлар ва ҳаворийларнинг мактубларидан парчалар бор. Шулар қаторида, масиҳийлар сажда қилганда фойдаланган матнлар, қўшиқлар, масиҳийларнинг эътиқодига оид бўлган баёнотлар, ибодат китобчалари, буюк масиҳийлар ҳақидаги ҳикоялар, ваъзлар, мактублар ва тўйларда ишлатилган нутқлар топилган.

Ва ниҳоят, Тўқмоқ ва Бишкекка яқин жойларда, ҳамда Алмаликда тахминан XIII-XIV асрлардан қолган 600 тача масиҳийча қабртошлар топилган. Бу қабртошлардаги матнлар сурёний ва ўрта турк тилларида ёзилган. Қабртошларнинг аксарияти туркларнинг қабри устига қўйилган бўлиб, хотирланганларнинг кўпчилиги Шарқ жамоатининг етакчилари эдилар. Ҳозирги пайтда бу қабртошлар Россиянинг Санкт-Петербургдаги ва Ўрта Осиёнинг Тошкент, Ашхобод, Душанбе, Тўқмоқ ва Бишкек шаҳарларидаги музейларда сақланиб келмоқда.

---

[9] Ҳозирги Афғонистон ҳудудида жойлашган.

[10] Ҳозирги Қозоғистон ҳудудида жойлашган.

[11] Бу икки шаҳар ҳозирги Хитойнинг Шинжон вилоятида жойлашган.

[12] Ҳозирги Хитой ҳудудида жойлашган.

[13] Айнан қорахоний туркларининг шеваси назарда тутилган бўлса керак.

Амир Темур ва унинг авлоди тахтга ўтирган даврларга келиб, Ўрта Осиёда масиҳийлар сони жуда камайиб кетган эди. Баъзи қўлёзмаларнинг баён қилишича, бу пайтда масиҳийлар Самарқанд ва Турфонда яшаган. 1200 йил давомида, Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Шарқ жамоати қачон ва қандай қилиб ғойиб бўлгани аниқ эмас. Мана шу даврдан кейинги археологик топилмаларда Ўрта Осиё масиҳийлари ҳақида маълумот қайд этилмай қўйилган бўлса–да, халқ ўз фарзандларига берган исмлару уларнинг авлоддан авлодга ўтиб келган ҳикоялари ва удумларида Шарқ жамоатининг таъсири яққол сезилиб туради. Асрлар оша масиҳийларнинг ибодатхоналари ва ёзувлари йўқолиб кетган бўлса ҳам, қадимда Исо Масиҳнинг йўлидан юрган бу масиҳийлар унутилмаган. Ўрта Осиё халқлари энди пайғамбарлар ҳамда Исо Масиҳнинг таълимотларини ўз она тилида ўқиш орқали ўзларининг руҳий–маънавий бойлигини қайтадан ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.